

**ЎЗБЕК  
ТИЛИНИНГ  
ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТИ**

**ТОЛКОВЫЙ  
СЛОВАРЬ  
УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА**

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР  
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ А.С.ПУШКИНА

# ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

В ДВУХ ТОМАХ  
60000 слов  
и сочетаний

Под редакцией  
З. М. МАГРУФОВА

II  
С-Х



МОСКВА  
ИЗДАТЕЛЬСТВО  
«РУССКИЙ ЯЗЫК»  
1981



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А.С.ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ИККИ ТОМЛИ  
60000 сўз ва бирикма

З. М. МАЪРУФОВ  
тахрири остида

II  
С-Х



МОСКВА  
«РУС ТИЛИ»  
НАШРИЁТИ  
1981

Авторлар:

С. Ф. АҚОБИРОВ, Т. А. АЛИҚУЛОВ, С. З. ЗУФАРОВ,  
С. И. ИБРОҲИМОВ, Н. И. ИҚРОМОВА, Н. М. МАМАТОВ,  
З. М. МАЪРУФОВ, М. М. МИРТОЖИЕВ, Г. Н. МИХАЙЛОВ,  
Ш. НУЪМОНОВА, А. Т. ХУЖАХОНОВ, Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ

Дастлабки редакторлар:

С. Ф. АҚОБИРОВ, Т. А. АЛИҚУЛОВ, Н. М. МАМАТОВ,  
З. М. МАЪРУФОВ

Авторы:

С. Ф. АҚАБИРОВ, Т. А. АЛИҚУЛОВ, С. З. ЗУФАРОВ,  
С. И. ИБРАГИМОВ, Н. И. ИҚРАМОВА, З. М. МАГРУФОВ,  
Н. М. МАМАТОВ, М. М. МИРТАДЖИЕВ, Г. Н. МИХАЙЛОВ,  
Ш. НИГМАНОВА, Н. ХАБИБУЛЛАЕВ, А. Т. ХОДЖАХАНОВ

Первичная редакция:

С. Ф. АҚАБИРОВ, Т. А. АЛИҚУЛОВ, З. М. МАГРУФОВ,  
Н. М. МАМАТОВ

Луғат ҳозирги Ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 60 минг сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат соҳаларига оид терминларни, диалектал ва эскича сўзларни ўз ичига олади. Луғат Ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари ва туркологлар учун мулжалланган.

**Толковый словарь узбекского языка: В 2-х т.**  
Т 52 60 000 слов и сочетаний / С. Ф. Акабиров, Т. А. Аликулов, С. З. Зуфаров и др.; Под ред. З. М. Магруфова. — М.: Рус. яз., 1981 — В надзаг.: АН УзССР, Ин-т яз. и лит. им. А. С. Пушкина.  
Т. II. С—Х. 715 с.

Словарь содержит около 60 тыс. слов и сочетаний современного узбекского литературного языка, специальную терминологию, а также устаревшие и диалектные слова. Предназначен для специалистов по узбекскому языку, для работников печати, радио, телевидения УзССР, для туркологов.

4602020000

Т  $\frac{70105-116}{015(01)-81}$  195-196-80

ББК 81.2 Уз  
4И(Узб) (03)

© Издательство «Русский язык», 1981

# С

С Ўзбек алфавитининг ўн тўққизинчи харфи; қ. эс.

**САБА** диал. Меш, саноч. Бир саба қимиз. Сабада қимиз келтирмоқ.

**САБАБ** [а] 1 Бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг юзага келиши, содир бўлиши учун омил бўлган бошқа бир воқеа, ҳодиса ёки ҳол; боис. Қасалнинг бош сабаби шамоллаш бўлди. Ёнғин сабаблари аниқланди. — Раҳматилла катта иш қилди-ю, лекин воқеаларнинг моҳиятини англамасдан, буларнинг бир-бирига муносабатини, сабаб ва натижаларини яхши билмасдан, фақат узун косоа бўлиб хизмат қилгани учун.. тўполон кўзига жуда катта кўринди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарса; ваз, баҳона. Узрли сабаб. Узрсиз сабаб. — Гулнор Йўлчиға сўзлашга ботинмас, сўзлашув учун бирор баҳона, сабаб қидиришга тиришар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Отабек яна ўн беш кунни ўтказиб, тагин бир назик сабабни ўртага ташлаб, онасининг руҳсатисиз Марғилонга жўнаб солади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Одамлар бемаҳал чалинган карнай-сурнай сабабини билолмай, гузарга оқиб келаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чўзишининг ҳожати йўқ, сабаб десангиз одамлар тайёр. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Сабаби тирикчилик тирикчилик баҳонаси, тақозоси билан, тирикчилик орқасида. Уч-тўрт кунлик умрда бир сабаби тирикчилик деб бошланган бу иш унга [Мирзага] бойлик ваъда қила бошлади. А. Қаҳҳор, Мирзо. Сабабки чунки, шунинг учунки. Ақли кўнглини йўлга солмайдиган киши бузоқ маъраса ҳам ух тортаверди, сабабки бузоқнинг маърагани — йиғлагани бўлади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Минглаб киши қонини тўкишга сабаб бўлган Азизбекни Қўқонга олиб бориб топириши Нормуҳаммад .. учун қимматли эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Улар арзир-арзимас нарса устида тортишар эдилар. Рўзғорга ким бийлик қилади? Жанжалга мана бу нарса кўпроқ сабаб бўлар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 сўр. олмиш Нима учун?, нима сабабдан? нега? Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғрилик қилган фуқароларининг тергамайсан? А. Қаҳҳор, Башорат.

◆ **Сабаб эргаш гап грам.** бош гаптаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи эргаш гап. **Сабаб ҳоли грам.** иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи ҳол.

**САБАБДОР** [а+ф-т] кам қўлл. айн. сабабкор. *Етирди ҳурмат одамга сабабдорим адабиёт. Ғаму қайғумни йўқ айлаб, зулматдан айладинг озод.* Қурбон ота.

**САБАБИЙ** [а] филос. Сабабиятга асосланган; сабабли. *Сабабий боғланиши.*

**САБАБИЯТ** [а] филос. Ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо қилиш асосида ўзаро боғланиш формаси. *Сабабият қонуни.*

**САБАБОР** [а+ф-т] кт. айн. сабабчи. *Кўкракда чақнаган юлдузда, бахт-да, Барининг сабабори — яна шу пахта! О. Ҳакимов. [Асад:] Қани айтингларчи, базмнинг сабабори ким? Н. Сафаров, Қимга тўй, қимга аза. [Дадавой:] Ёмон кўрадиган бўлса, сизлар сабабор. Халқни менга қарши қутуртириб юргансизлар. Уйғун, Навбахор.*

**САБАБЛИ** 1 Бирор сабаби бўлган, сабаб билан асосланган; асосли, узрли. *У кишининг кечикиши — сабабли. — Энди кундош билан уч-тўрт кун апоқ-чапоқ бўлиб, оғиз-бурун ўпишгандай бўлар, лекин яна уч-тўрт кун сабабли-сабабсиз сира гаплашмай, тескари бўрилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 айн. сабабий. Сабабли боғланиши.

3 кўм. (б. к. билан) Учун, туфайли, сабабдан. *Қодирнинг келганига яна хурсандлик билдирди: шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли, тайёрлик кўрмаганидан, нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтақ. Энди билдим оиланинг азизлигин. Шу сабабли куйлаб сени умрим кечор. Ё. Мирза.*

**САБАБСИЗ** Бирор сабаби бўлмаган, бирор сабаб билан асосланмаган; асоссиз, узрсиз. *Сабабсиз жанжал. Сабабсиз ўқишдан қолмоқ.*

**САБАБЧИ** 1 Бирор иш, воқеа-ҳодиса ёки ҳолатнинг юзага келишига, содир бўлишига сабаб бўлган кимса, нарса; сабабкор. *Бу кишида гуноҳ, йўқ ва аразимиза бир тўнғиз сабабчи бўлган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У ўз кулдилари билан минг-минглаб*

*кишилар умрини узайтиришга сабабчи бўлган. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

2 Табиий ҳодисаларни юзага келтирувчи омил; фактор. *Қасал сабабчиси.*

**САБЗ** [ф-т] Яшил; майса ранг. *Ул надурким, сабз тўнлик қуш дарахтнинг қошида. Увайсий. Сабз урмоқ* эндигина ўсиб, униб чиқмоқ, ниш урмоқ. *Ияқларини майин турик босган, мўйлаблари энди сабз уриб келётган бу йиғитчалар подшоҳнинг .. жиловдорлари эди. М. Осим, Сехрли сўз.*

**САБЗА** [ф-т] 1 Ям-яшил барра ўт, майса. *Баҳор, ҳар ён ёзилган сабза. Оҳуларда шўхлик ва ғамза. Ғайратий.*

2 Ям-яшил барра ўт билан қопланган; яшил. *Сабза ўт. — Отряд ва халойиқ .. игна барғли дарахт ва қарағайлар ўрмони ўртасида сабза ялангелikka сочилишган. С. Азизов, Оппоқ тонг қўшиғи. Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Муқимий.*

3 Эндигина ўса бошлаган мурт, соқол (ўспиринларда). *Сабза урмоқ айн. сабз урмоқ қ. сабз. Бола-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди: беҳига ҳуши кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 Сояда қуритилган кўкниш майиз; сояки майиз.

**САБЗАВОТ** [ф-т] Резавор ва полиз экинлари ва уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули (бодринг, қарам, сабзи, пнёз, помидор ва ш. к.). *Сабзавот экинлари. Овқатга сабзавот солмоқ. — Хушбўй мевалар, айниқса, кўжатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл йиғилди. Ойбек, Нур қидириб*

**САБЗАВОТКОР** [ф-т] Сабзавотчилик билан шуғулланувчи, сабзавот экувчи, етиштирувчи. *Сабзавоткор колхоз. Сабзавоткор районлар.*

**САБЗАВОТЧИ** 1 айн. сабзавоткор. 2 Сабзавот савдоси билан шуғулланувчи, сабзавот сотувчи.

**САБЗАВОТЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг сабзавот экинлари экиши ва сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Сабзавотчилик хўжалиги.*

**САБЗАБОР** [ф-т] Ям-яшил барра ўт билан қопланган ер; майсазор. *Ҳаёт қудратини намойиш қилур, Ерга бахмал ёган яшил сабзавот. Уйғун.*

**САБЗАК** [ф-т] 1 Қорачадан келган,

қорамғиз, бугдой ранг. *Ғофиржон ака кенг елкали, ўрта бўйли, қора қош, қора кўз, сабзак юзи сал қорайган бир киши эди.* Н. Назаров, Замин.

2 Қовуннинг бир нави. Яна сабзак била умрбоқий, еган одамгадир умр боқий. Амннзода.

**САБЗИ** [ф-т] Сабзавот ўсимлиги ва унинг овқатга ишлатиладиган илдиз-меваси, маҳсули. Қизил сабзи. Мушак сабзи. Сабзи эсмоқ. Сабзи тўғрамоқ. — Экинлар жуда соз. Айниқса, картошка билан сабзи мўл ҳосил беради. Ойбек, Қутлуг қон. — Ултиринг, ултиринг, меҳмон, — деди уста Фарфи. — Ошга сабзи босилди — пишди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мирзойи сабзи қ. мирзойи.

**САБИЙ** [а] эск. кт. 1 Қўкракдан ажратилган бола. *Йўқ, инсон ҳануз сабий, балагатга етмагандир.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 кўчма Ҳали вояга етмаган; гўдак, гўр.

**САБИЛ** [ф-т] 1 Эгасиз, қаровсиз қолган, эгасиз, қаровсиз қолиб хароб бўлган. *Сенсиз сабил бўлар Чамбил элатим.* «Равшан». Эшитгин, Оққизжон, йиғлаганимни, Сабил қилай Ширвондайин шаҳримни. «Равшан».

2 сўк. Қурғур, ордона қолгур, байталмон. Мен келсам, мана бу сабил мўридан шамол тошқумир тутунини қайтариб, бутун уй тутунга тўлган экан. А. Қаҳҳор, Башорат. — Сабил қолгур бу эшак, — деди бир ўтинқаш, ерга тираган олдинги оёқлари орасига бошини суқиб турган эшакнинг сағрисидин итара-итара, — чопишга йўл бермайди. Айний, Қуллар.

**САБО** [а] Эрталабки енгил, салқин шамол, тонг шабадаси. *Сабо, арзими етқур, моҳи тобон бир келиб кетсун, Тамоми ҳусн элининг шоҳи султони бир келиб кетсун.* Ҳамза. Тонда сабо қанот ёзганда ноз-ла, Қўнғлим завққа тўлиб ўйнаб, қулдим экен. Уйғун.

**САБОН** эск. айн. омон.

**САБОТ** [а] 1 Ўз сўзида, маслағида мустаҳкам турниш, букилмас ирода. *Мард кишига ярашар Аҳдга вафо ва сабот.* Шайхзода. | Зўр бардош, матонат, чидам. *Бегижон ўз позициясида мустаҳкам туриб олиб, расчётдаги жангчиларни сабот ва матонатга чақирди.* Н. Сафаров, Севги.

2 айн. кунт. Сабот билан ўқимоқ.

**САБОТАЖ** [р<фр] Ишдан бош тортиб ёки ўзини ишлаётган кўрсатиб, аслида ишни бузиш, бўшаштириш, барбод бериш, ишга зямдан ёки ошкор қаршилик кўрсатиш. *Саботаж қилмоқ.*

**САБОТАЖЧИ** Саботаж билан шуғулланувчи одам, саботаж қатнашчиси.

**САБОТКОР** [а+ф-т] кт. Саботли, букилмас иродали, мустаҳкам. *Саботкор Совет Армияси.* Саботкор халқ.

**САБОТЛИ** 1 Ўз сўзида, маслағида мустаҳкам турувчи, букилмас иродали; соҳиб қадам. *Партия аъзоси мақсадга етишда саботли бўлиши ке-*

*рак.* | Зўр бардошли, матонатли, чидамли. *Салобатли бўлма, саботли бўл.* Мақол. — *Севгимиз ширин тотли, Лаззатин бирга тортидик.* Хижронга берган бардош Мен эмасми саботли. Гайратий.

2 айн. кунтли.

**САБОТ-МАНОНАТ** [а] Сабот ва матонат, букилмас ирода ва зўр бардош. *Сабот-матонат билан курашмоқ.* — Қобилнинг сабот-матонати унинг хўжайинларини мамнун қилди. Х. Ғуллом, Машғал.

**САБОТСИЗ** 1 Ўз сўзида, маслағида мустаҳкам тура олмайдиган, иродаси бўш; айнамачи. *Пролетариат иккиланувчиларни, саботсизларни ўз кетидан эргаштириб бормоғи лозим.* В. И. Ленин, Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат. | Қийинчиликларга чидай олмайдиган; бардошсиз, чидамсиз. *Саботсиз одам.*

2 айн. кунтсиз.

**САБОҚ** [а] 1 Ўқиш-ўқитишнинг маълум темага бағишланган, белгили вақт давом этадиган бўлаги; дарс. *Домла сабоқни тугатиб, энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турганда,* Ғулломжон савол бериб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эъзозхон буғунги биринчи сабоқни тугатиш олдидан талабаларни имтиҳон қилди.* Х. Ғуллом, Машғал. | Ўқувчиларга берилган вазифа, топшириқ. *Айланай оппоқ қизим! Сендан бувиңг гирегиттон, Сабоғинг ҳам қолмасин.* Бўла қол жоним чаққон. К. Муҳаммадий. *Отинбиби Ҳабиба келгандан кейин, ўз ишини — болаларга сабоқ беришни унга буюриб, кўпинча уй ишлари билан машғул бўларди.* Айний, Эсдаликлар. *Эъзозхондан сабоқ олиб саводини чиқарган Эйтибор опа чаққон юриб, унга қулочини ёйди ва қучоқлашиб кўриша кетди.* Х. Ғуллом, Машғал.

2 кўчма Ибрат бўлиб хизмат қилдиган ва кўзни очадиган иш, воқеа, ходиса; ўрнак. *Турмуш сабоқлари. Тарих сабоқлари.* — *Ярим аср ҳаёт мактабида ўқиб уқмаган Валиўжанинг фожиаси бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Жасурлик, мардлик, душманга шафқатсизлик, дўстларга бағри кенг бўлишда Эргашга сабоқ берган ҳам шу Михаил эди.* Н. Сафаров, Сўнгни нафасгача. *Революционерлар революцияга тажрибаларидан сабоқ оладилар.* В. И. Ленин, Янги давлат ўзгариши тайёрланмоқда.

**САБОҚДОШ** [а+ф-т] Бирга ўқиган, сабоқ олган киши; мактабдош. *Мадрасанинг ҳовлисига кирсам, сабоқдош шерикларимдан бир нечаси пиқиллашиб йиғлашиб ўтиришибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**САБОҲ** [а] 1 Эрта тонг; субх, субҳидам. *Сизга белгелидирки, шам сабоҳга қадар қошимда ёғдуси, давог-қаламнинг зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.* Ойбек, Навоий. *Ғоҳ сабоҳ ели шивирлаб менга Мардлингидан сўйлаб кетади.* Т. Тўла.

2 кўчма Ёруғ кун, рўшнолик. *Бўғилди товушимиз кўрмадик сабоҳ.* Ғ. Ғуллом.

**САБР** [а] 1 Ошиқмасдан кута билиш ёки ўзини тия олиш; тўзим, тоқат. *Ақлинга ақл қўш, жаҳлинга — сабр.* Мақол. — *У ишқ ўйинига бутунлай берилмоқчи экан, кимнинг ақли, кимнинг сабри, оғирлиги уни шармандалиқдан қутқариб қолди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Одамнинг оғзидан гапини юлиб олманг, бир киши гапини айтиб бўлгунча сабр қилинг.* Н. Сафаров, Дон.

2 Чидам, бардош. — *Осонми, айланай, — Эйтибор опа ёстиқини Эъзозхоннинг биқинига суриб қўйди.* — *Тагин ҳам темир экансиз.* Сабрингизга балли, гирегиттон! Х. Ғуллом, Машғал. **Сабри тугади** (ёки қолмади) ёки сабр косаси тўлиб тошди ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмади, тоқати тоқ бўлди. — *Лентани бўшат. Наҳ пайти-я! — дедим унга.* Йўқ, у пинагини бузмайди. *Сабрим тугаб, юргам тарс ёрилиб кетаёди.* Ойбек, Кўеиш қораймас. *Шафқатсизлик, муғомбирлик, қашшоқлик халқни ғазаблантирди, унинг сабр косаси тўлиб-тошган эди.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Бир оз орқамни ўгириб индамай ётдим, у ҳам чурқ етмади.* Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир!

3 айн. қаноат. [Мирзақаримбой:] *Сан юборган пулнинг мазасига тушундим, бўлди — ҳафтада, ойда пул сўрайверади.* Яхши егуси, яхши ичгуси келди.. Хуллас қалом, сабрни, қаноатни унутмади. Ойбек, Қутлуг қон.

**САБР-БАРДОШ** [а+ф-т] Сабр ва бардош, тўзим ва чидам. *Ҳар бир ишда сабр-бардош керак.*

**САБРЛИ** 1 Сабр қила оладиган; тўзимли, тоқатли. *Сабрли одам.*

2 Чидамли, бардошли. *Сабрли бемор.*

3 айн. қаноатли.

**САБРСИЗ** 1 Сабри йўқ, бесабр, тўзимсиз. *Сабрсиз одам.*

2 Чидамсиз, бардошсиз. *Сабрсиз бемор.*

3 айн. қаноатсиз.

**САБРСИЗЛАНМОҚ** Сабри тугаб, осойишталигини йўқотмоқ, безовта бўлмоқ. *Йўлчи ўз сарғузашини сўзларкан, бақрайиб тинглаётган Жўра сабрсизланиб сўради: — Энди тамом бўшатиладими сени? Ойбек, Қутлуг қон.* — *Шошма, Нури, — сабрсизланиб шивирлади онаси.* Ойбек, Қутлуг қон.

**САБРСИЗЛИК** сабрсиз с. белги оти. *Сабрсизлик қилмоқ. Сабрсизликка тушмоқ.* — *Унинг юзида мулоим табассум, бутун сиймосида қандайдир бир сабрсизлик сезилар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Йўлчи ғазабланиб, «Битта ўқишчи сизми?» — деб қичқирмоқчи ҳам бўлди, лекин лозим топмади. Тишини қисиб, сабрсизлик билан ўрнидан турди.* Ойбек, Қутлуг қон. [Қизинг] *ўзи унинг [Мулла Бурхоннинг] олдига етиб келиб: — Сабрсизлик қилманг! — дебди.* Айний, Эсдаликлар.

Кизининг ҳалиги жавоби билан сабр-сизликка тушган қутидор қўлига шам олиб ташқарига чиқди ва ердан хатни олди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**САБР-ТОҚАТ** [a] Сабр ва тоқат; тўзим ва чидам. Сабр-тоқат қилмоқ. — Фуркат қанча қутсангиз, шунча сабр-тоқат қила беради. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Эргаш унинг безрайиб туришидан сабр-тоқати тугаган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**САБР-ТОҚАТЛИ** Сабр-тоқати бўлган; сабри, тоқатли, тўзимли. Зухуржонга қойилман. Шунчаям сабр-тоқатли бўладими киши, десам, Абдуқаҳҳор ака оғир ух тортиб олди:— Шу сабр-тоқат ҳам етмасмикин деб қўрқаман-да. Р. Файзий, Қишиларнимиз қиссаси.

**САБР-ҚАНОАТ** [a] Сабр ва қаноат, тўзим, борига қаноат қила билиш. Зийфат, албатта, тўкин-сочин бўлади. Мана шу ерда .. сабр-қаноатга қақриши, .. ваъз-насиҳатлар сўзлаш масалалари музокарага қўйилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Сабр-қаноат қил, ваъзига худо сенга бахт ато қилади. Сабр қил, Ҳамроқул, сабр қил. Ҳ. Турсунолов, Ҳаётим қиссаси.

**САБР-ҚАНОАТЛИ** Сабр-қаноати бўлган; сабри, қаноатли. Илм-таҳсил — .. сабр-қаноатли одамларнинг иши. Ойбек, Навоий.

**САБР-ҚАРОР** [a] Сабр ва қарор, тўзим, сабот. Сабр-қарори йўқ одам. — [Нуридин] .. ортиқ сабр-қарори қолмас, кечалари узоқ ўйлаб ширин хаёл қанотларида учар, сирли кечин-маларга шўнгир эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САБҮР** ай. алоэ.

**САВА** ай. саба.

**САВАЛАМОҚ** I Хивич, қамчи каби нарсалар билан устма-уст урмоқ, калтакламоқ. Ясовул мўйловини шопдай қилиб, мастнинг оғзини ҳидлайди ва савалаганча олиб чиқиб кетади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Эликбоши олдиндаги болаларни қамчи билан савалай бошлади. Бир бола қичқариб йўғлаб юборди. М. Исмоний, Фарғона т. о. | Умуман урмоқ, зарба бермоқ. Совет жангчилари сабот ва матонат билан душманни саваламоқдалар. Н. Сафаров, Дон.

2 Шиддат билан ёғмоқ, бетиним қуймоқ (ёмғир ҳақида). Ёмғир кун бўйи савалаб турди. — Бир ҳафта илгари савалаб ёққан ёмғирдан сўнг офтобнинг қизиб кетиши Қамолдин маҳдумни ҳам хужрасидан чиқариб юборди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

3 Кўчма Гап билан урмоқ, қаттиқ танқид қилмоқ. Мажлисда раисни роса саваладилар.

**САВАЛАНМОҚ** саваламоқ фл. мажх. н. Ҳали сўзлаган кекса бой ўзини базўр чегга ола билди. Қолганлари оломоннинг оёқлари остида юмаланиб ксафар қочди қилинган итдай саваланди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САВАЛАТМОҚ** саваламоқ фл. орт. н.

**САВАЛАШМОҚ** саваламоқ фл. бирг.

н. [Дадавой:] Колхозда меҳнат интизомини бузган, танқид ва ўз-ўзини танқидни бўғган, деб савалашди. Уйғун, Навбахор.

**САВАЛМОҚ** савамоқ фл. мажх. н. Отинойи бирдан-бир хунари ва бўйи қолгандаги овунчоги чархни ғириллатишга киришди. Элмурод унга савалган пахтадан пилта ўраб бериб ўтирди. П. Турсун, Уқитувчи.

**САВАМ** Бир марта саваш учун лойиқ ёки бир савашда чиқарилган пахта, жун. Бир савам эсун. — Теварак ёришмоқда. Хув анави бир савам пахтадай оптоқ булут парчаси қирраларига шафақ акси уриб турибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САВАМОҚ** I Савағич билан саваб титмоқ, юмшатмоқ. Пахта савамоқ. — Хира ёмғир пардасидан тикилганда, қаричга келиб қолган яшил ўзга тупларини жала худди юнг савалгандай қаттиқ савалаётганини кўриш мумкин эди. Ҳ. Назир, Сўнас чақмоқлар.

2 ай. саваламоқ. Зийдилла Қомилнинг қўлидаги калтакни олиб Тошматни қарсиллатиб савай кетди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қизиб кетди даҳшат билан қонли жанг, Шиддат билан саваб ёвни қилди танг. Ҳабнбий.

**САВАННА** [p] Экваторнинг икки томондаги чўл-биёбонлар.

**САВАТ** [ф-т] Сурх новда, чивик, сив ва ш. к. нарсалардан тўқилган идиш. Сим сават. — Маликаҳон катта саватда буғи чиқиб турган қовоқ сомани олиб кириб, ўртага — сандал устига қўйди. С. Зуннунова, Гулхан. Шу вақт бир бола саватда гул кўтариб ўтиб қолди. Ойдин, Фонарь тагида. | Меҳмонларга тортиш ёки лозимода қилиб бориш учун мева-чева, чучвара, нон билан тўлдирилган шундай идиш. — Аям бечора маҳсичан кетибди шекилли,— деди ўзига-ўзи гапириб, ала-қавқдан сават кўтариб қайтган Гуар Адолатнинг ўтирганини кўриб. С. Зуннунова, Гулхан.

◆ Сават қалпоқ эзилган буғдойпоя ва ш. к. нарсалардан тўқилган қалпоқ. Нигора сават қалпоғини бошидан олди-ю, кўзларига бир нима тушгандай дарров кафти билан бекитди. С. Анорбоев, Оқсой.

**САВАТБОШ** Сочи саватдек хурпайган, пахмоқсоч.

**САВАТМОҚ** савамоқ I фл. орт.

н. Пахта саватмоқ. Жун саватмоқ.

**САВАТТИРМОҚ** саватмоқ фл. орт.

н. Пахта саваттирмоқ.

**САВАТЧИ** Сават тўқиб сотувчи одам.

**САВАЧУП** диал. Савағич.

**САВАШ** I савамоқ фл. иш оти.

Пахта саваш. — Чапакка чидаган қўларга, шарт-шарт савашларга бардош берган кўкракларга балли! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 фольк. Уруш, жанг. Шералиси олар ботмон қилчичи, Доим душман билан қилар савашини. «Эрали ва Шерали». Лашкар келар бебош-бебош, Сизнинг билан қилар саваш. «Гўрўғли».

**САВАШМОҚ** I савамоқ фл. бирг. н. 2 фольк. Урушмоқ, жанг қилмоқ. «Қани полвог бўлсан майдонга чиқ, келинлар савашамиз, куч синашамиз!» — дейди. «Муродхон».

**САВАҚ** бот. Дум, банд.

**САВАҒИЧ** I Пахта, жун каби нарсаларни саваш учун ишлатиладиган чивик ёки чивиклар дастаси. Кампир .. ёстиғини олиб сўкибди, ичидан юнгини суғуриб олиб, тўртта савағич билан тап-тап уриб, пар сингари қилиб титибди. Ойдин, Олтмиш газ арқон.

2 Қамишсимон бўғимли, ичи пўкак-симон ғовак модда билан тўла бўладиган сув ёки қўл ўсимлиги. Низомжон савағичнинг бунақа ўсишини билмасди. С. Аҳмад, Уфқ. Яраланган бўри, олдинги чап оёғини кўтарганча, савағич уюми олдида унга ёвни тикилиб турарди. С. Аҳмад, Уфқ. | Шу ўсимликнинг пояси.— Эртга сен шўрликка варрак қилиб бермоқчи бўлиб дилимга туғиб қўйган эдим. Хитой қоғоз билан савағич ҳам савил қолаётган бўлди,— деди уста Салим Шум болага. Ф. Фулом, Шум бола. Савағич қалам савағич бўлагидан бир учини перо шаклида йўни тайёрланган ёзув асбоби. Бугун ҳам унинг [Навоийнинг] савағич қалами ялтироқ қоғоз устида тин оламай югурар, унинг учидан ажойиб сатрлар қуйилиб тушарди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**САВАҒИЧБОЗ** Нуқул савағич ўсиб ётган ер, савағич боғсан жой. Қўйган ерлар тузаб, гуж-гуж бўлиб ўсган савағичзор бошланди. С. Аҳмад, Уфқ.

**САВДО** I [ф-т] I Мол айирбошлаш, олиш-сотиб билан боғлиқ бўлган муомала; олди-сотди, савдо-сотик. Чакана савдо. Кўтара савдо. Ички савдо. Савдо муомаласи. Савдо корхоналари. Савдо ходимлари. — Эски шаҳарда каттакон ошхона, Пиён бозорда бинойи дўкон .. савдо гуриллаган. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Қизик гапларни гапирасан. Ахир, соқолим газлама савдоси билан оқарди. Мен дадил бўлмади, ким дадил бўлсин яна. Ойбек, Қутлуғ қон. Ибодилла дўконни ҳар кун эрталаб очар, унда кечгача савдо қиларди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Савдо-сотикдан тушган пул. Бугунги савдо юз минг сўмга етди.

3 Олди-сотди муомаласида молнинг нархи ҳақида тортишув, қийишув. Савдогар .. пулини бериб жўнгандан сўнг, савдо устида ҳозир бўлган Исҳоқ сўфи ўзича бармоқлари билан ҳисоб юргизиб қарайди-да, домлага томон бошини чайқаб кулади. А. Қодирий, Обид кетмон. [Ҳожя:] Утган ҳафта бозорга бир гилам чиқди, гиламисан гилам эди-да. Бир минг уч юзга савдо қилиб, Қодиралининг ўғлига олиб бердим. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

◆ Умр савдоси уйланиш, ўғил уйлантириш, қиз узатиш ҳақида келишув. Умр савдоси — қийин савдо.

Мақол. — Ахир, хизматларида, умр савдоси мол савдоси эмаски, таваккал деб юборсак. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

**САВДО II [a]** I Турмушда учрайдиган ғам-ташвишлар, машаққат ва кулфатлар, мушкул ҳол ва хангомалар. Бошга тушган савдолар. — Орзу-ҳавасли жойни қидирмасдан, қизларини бир кишига бериб қўя қолсаалар, албатта, бу савдолар йўқ эди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Тожи:] .. бу ҳаммада бор савдо, очилиб, гулдек ёзилиб йлтиринг, бўйдан аясил! Ҳамза, Паранжи сирлари. [Кулмуҳаммад:] Бошимизга оғир савдо солиб қўйдингиз, амир. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Гуломжонни шу қуйга, шу савдога салган «танноз» кулиб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Иқбол:] Тақдир орамизга жудодик савдосини соладиган бўлса, Иқбол дунедан кетди деб қўяқолинг. Н. Сафаров, Уйғонниш. Фарзанд савдоси фарзанд туфайли ёки фарзанддан айрилиш натижасида бошга тушган ғам-ғусса, ташвиш. Сени адо қилмиш фарзанд савдоси, Энгинига қийибсан мотам либоси. Миртемир.

2 Бирор нарса, кимса дардидаги телбалик ҳолати; васваса. Ишқ савдоси. Пул савдосига тушиб қолмоқ. — Ҳамиша хавфда кўнелим бу муҳаббат интиҳосидин, Мени ҳам эмтаса мажнун дебон Раънонинг савдоси. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Подшоҳ ўғлининг ишқ савдосига тушганини билди, ифлдан қайтаришининг иложини топмай, унга ўн саккиз минг аскар қўшиб берди. «Эртақлар».

**САВДОГАР [ф-т]** I Хусусий савдо-сотик билан шуғулланувчи, савдо-сотикни касб қилиб олган киши. Майда савдогар. Йирик савдогар. — Бу зот — Андихон савдогарларидан Акрам ҳожки. А. Қодирий, Утган кунлар. [Қудрат] тўртинчи кунки керосин сотувчи бир рус савдогарга дастёр бўлиб кирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма с. т. Хусусий манфаатни учун арзимаган нарсага ҳам талашадиған, пасткаш одам.

**САВДОГАРЛИК** I савдогар I с. касб оти. Мирқарим болалик чоғидан ота касби савдогарликка ўрганди, ғилам навларини ажратадиган бўлди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 савдогар 2 с. белги оти.

**САВДОГАРЧИЛИК** айн. савдогарлик. Савдогарчилик қилмоқ. Савдогарчилик билан шуғулланмоқ. — Мен устанинг ошини биринчи мартаба еётганим йўқ, асар савдогарчилик омон бўлса, ҳар ўн беш кунда бир келиб устанинг жонига ҳам тегаман, — деди Отабек. А. Қодирий, Утган кунлар.

**САВДОЙИ [a]** I Ақлдан озган; телба. Мирҳайдар заҳ зиндон этини сўриб, қуруқ суяк, мушукдек бўлиб қолган саррожга тикилар, унинг ақли ўтмаслашиб, ўйлайвериб савдойи бўлиб қолганини аллақачон пайқоған эди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

2 Бирор нарса, кимса дардида,

кўйида эс-хушидан айрилган, телбалик даражасига етган одам; ваввос. Неча барно йигит, неча шаҳзода, Унинг дарди билан бўлмиш савдойи. Т. Тўла. Нодир ваъдасини бажаролмади. Пул савдойиси [Маннон] ҳам арқонни узун ташлаб қолдирган. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САВДОЛАШМОҚ** I Молнинг нархи ҳақида тортишмоқ, қийишмоқ, келишмоқ. Э биродар .. сиз билан мол савдолашётганимиз йўқ-ку. Бу ҳукумат иши, ахир. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўчма с. т. Умуман бирор олди-берди, ҳақ ва ш. к. ҳақида тортишмоқ, келишмоқ. У [Мадаминхўжа] тўй шарту шароитлари устида, қалин устида савдолашмиш ўтирмай, фотиҳага қўл кўтарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САВДО-СОТИК** Савдо муомаласи, савдо, олди-сотди. Уч йиллаб Азизбек истибдодиди эзилган Тошкент халқи эркин нафас олди, савдо-сотик, экин-тикин ва касбкор кўтарила бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**САВИЛ [ф-т]** с. т. Савил. Қетаман дедимми — кетаман. Бу савил уйда ё укангиз туради, ё мен! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Вой ўлсин вешалка матоҳ бўлмай. Яна уч-тўрттасини сотиб ола қолсангиз бўлмайдимиз? Савил қолеурни биттаси икки сўм туради. Х. Зиёхонова, Биринчи мактаб.

◆ **Жони савил** жони қаттиқ, чидамли, бардошли. Жони савил одам.

**САВИЯ [a]** Шахс, нарса ёки ҳодисанинг сифат; тараққиёт даражаси. Илмий савия. Маданий савия. Идеология ишининг савиясини ошириш.

**САВЛАТ [a]** I Улуғвор ташқи қиёфа, салобатли кўриниш; салобат, маҳобат. Савлати йўқ одам. Қуруқ савлатдан, қуруқ сават яхши. Мақол. — Даллоанинг бу кейинги сўзидан бойнинг ичи шув этиб, шийпон тагида савлат билан ўтирган қарвонбоши томонга қаради. Айний, Қуллар. Уй жуда совуқ бўлса ҳам, танчага ўтирмади, ҳеч вақт фойдаланилмай диган, лекин савлатга қўйилган катта қаравотга ўзини ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Савлат тўкмоқ бутун салобати билан кўзга ташланмоқ. Машиналарни нега боқиб ётибсан, Анор, ахир булар пахта терадими, ё пўлатини ярқиратиб савлат тўкиб тураверадими! И. Раҳим, Ихлос. Савлатидан от (ёки ит, эшак) хурқад қуруқ савлатга зўр берган, савлатидан киши чўчийдиган.

2 кўчма Кўрк ва ифтихор. Хурматинг — савлатинг, меҳнатинг — давлатинг. Мақол. — Қари, ёшга бирдай бўл, Донг кўтар ота, ўғил! Ўсмирлар давлатимиз, Кексалар савлатимиз. Қ. Муҳаммадий.

**САВЛАТДОР [a+ф-т]** Савлатли; серсавлат. Столнинг тўридаги стулда кўринишидан озгин, қора сочлари юқо-

рига таралган савлатдорегина киши ўтирибди. С. Қароматов, Ҳижрон.

**САВЛАТЛИ** Улуғвор кўринишга эга бўлган; серсавлат. Савлатли одам. Савлатли биналар. — У шундай обрўли, шундай савлатли йигитни ўзига жазман сифатида тасаввур этса қишги келатгандай бўлар ва нуқул «қизик» деган сўз кўнглидан ўтарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**САВОБ [a]** I дин. Диний эътиқодга кўра худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. [Ёрмат:] Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми? Ойбек, Қутлуғ қон. Маҳалла болохўрлари: — Афанди, эртага қиёмат бўлади — қўйингизни сўйиб есак, савоби сизга тегасди, — дейишди. «Латифалар».

2 кўчма Эзгули, яхши иш; эзгулик. Ҳа, халқ хофизин .. бўлиш улуг бахт, савоб иш. С. Акбарий, Замон хофизин.

**САВОБЛИ** I дин. Савоб бўладиган, худонинг марҳаматига сазовор бўладиган.

2 Хайрли, яхши. Олимларимиз жуда савобли масалани кўтаришибди. «С. Ўзбекистон», 1968, 24 январь.

**САВОД [a]** I Ўқиш-ёзишдан хабардорлик; хат-савод. Саводи йўқ одам. — Қошқийди саводим бўлса, дард ва ҳасратларимни, тилак ва истақларимни хатга солиб юборсам. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қумри чўриликдан қутулиб, Қамчи билан яшай бошлагандан кейин, бирдан-бир орзуни Эъвозхондан сабоқ олиб савод чиқариш бўлиб қолди. Х. Гулом, Машғал. Анвар «тахтадан ўқини бошлади, зеҳнининг тиниклигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқа ёзди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Савод мактаби ўқиш-ёзишини ургатадиган бошланғич катталар мактаби. Уша вақтларда энди паранжи ташлаб, савод мактабига қатнаб юрган аёлларнинг ҳозир бири врач, бири аэромон, бири инженер. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 кўчма Бирор соҳадаги энг зарурий билим, маълумот. — Балли! Ботирали хотинининг елкасига қўқди. — Биз халқимизнинг сиёсий саводини чиқаришимиз керак. Х. Гулом, Машғал. | Умуман билим, тушунча. — Саводингизни анча чиқариб қўйишибдими? — Ким? — Билмасам. Домлангиз. Домларингиз. — Менинг домлам йўқ, домлам икки кўзим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**САВОДЛИ** I Ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводи бор. Мулла Обид эскича саводли киши. А. Қодирий, Обид кетмон. Эски мактабда ўн йил ўқиган юз одамдан ўнтаси ё саводли бўлар ё бўлмас эди. Айний, Қуллар. Мен сизни ўқитиб саводингизни чиқариб қўяман. Сиз юртингизга саводли бўлиб борасиз. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Бирор соҳада энг зарурий билимга эга бўлган; маълумотли. Сиёсий саводли одам. | Умуман билимли, маълумотли. Қиз кўринишидан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-

-сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўришиб турар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САВОДСИЗ 1** Ўқиш-ёзишни билмайдиган, хат-саводи йўқ. — Биэга ҳозирча шу билмингиз лозим. — Ботирли энди ўзини босиб гапирди. — Халқимиз саводсиз. Х. Ғуллом, Машъал. || Бир ўқитувчи рус аёл ҳам сургун қилинган экан. У, сургундаги саводсизларни ўқита бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўтарли билими, маълумоти йўқ; чаласавод. Ўзи билмайдиган, менга ўргатганига қўяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «бўса-бўмаса» дейди. А. Қаҳҳор, Санъаткор.

**САВОДСИЗЛИК** саводсиз с. белги оти. Саводсизликни тугатиш. — Берди татар қишлоқда очилган саводсизликни битириш курсида икки қиш ўқиган бўлса ҳам, ҳали қўлда ёзилган хатларни яхши ўқий олмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**САВОДХОН** [a+ф-т] Ўқиш-ёзишни билладиган, хат-саводли одам. Хўш, ўз ишларингиз қалай? Саводхонлар кўпаяётибдими? П. Турсун, Ўқитувчи. || Революциядан илгари Туркистон аҳолисининг икки процентига яқин қисмига саводли бўлган. Эндilikда эса республикамиз ёлпасига саводхон ўлкага айланди. «С. Ўзбекистони», 1964, 5 июль.

**САВОДХОНЛИК** саводхон с. белги оти.

**САВОЛ** [a] 1 Жавоб талаб қиладиган гап, жумла, ибора; сўроқ. Савол бермоқ. Савол қўймоқ. Уртага савол ташламоқ. Ачиқ савол бериб, ширин жавоб қутма! Мақол. — Нега йиғладинг-а? Бу саволни берувчи Гулсинга Кумуш куч билан илжайиб қаради-да: — Узим ..— деди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ўчилиши лозим бўлган масала, муаммо. Физик олимлар Ернинг иккинчи Совет сунъий йўдоши учирилган пайтдан бери ана шу саволларга жавоб топиш учун ҳаракат қиляётдилар. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**САВОЛ-ЖАВОБ** [a] 1 Бир-бирига савол бериб, жавоб олиш тарзидаги суҳбат. Кечқурун Сидиқжонни кўргани боллигидаги ўртоқларидан бири келди .. Гап қовушмади. Нимадан гап очилмасин, икки оғиз савол-жавобдан нарига ўтмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ўйстлар пайрови мос келган савол-жавобдан завқланиб кулишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Уртага савол ташлаб биргаликда фикр олишув формаси; мубоҳаса. Ўзбек тилшунослигига доир савол-жавоб кечаси.

**САВОЛЛИ** Савол ифодаладиган; сўроқли. Саволли гап. Саволли назар. — Саидий хотинга саволли қараш қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**САВОЛОМУЗ** [a+ф-т] Саволга ўхшаган, савол тариқасидаги. Саволомуз гап. || — Мажлисдан бир киши-

нинг кўнгли қолди чамамда, — деди Саидғози бўм-бўш қоронғиликка тикилиб. Шербек Саидғозига саволомуз боқди. С. Анорбоев, Оқсой.

**САВР** [a] 1 (С — катта) астр. Ҳикки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель — 21 май даврига тўғри келади). Савр кирди, экинларга давр кирди. Мақол. — Хушҳаво савр ойи. Кўёша чўмилган гилам-гилам қизғалдоқлар. Ойбек, Улуғ йўл.

**САВРИНЖОН** [ф-т] Кеч куз гуллаб, баҳорда ҳосил берадиган бир турли лоласимон, кўп йиллик ўсимлик.

**САВСАН** [ф-т] кт. айн. гулсапсар. **САВСАР** Урмонда яшайдиган қимматбаҳо тўқ, кўнғир мўйнали, кичик сўтэмизувчи, йиртқич хайвон. | Шу хайвоннинг териси. || Савсар пўстин. — Ҳаётхон келтирган қийқири белимга боғладим, бошимга савсар телпакни бостирдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САВТ** [a] 1 Ўзбек классик музикасида куйнинг асосий қисмидан кейин келадиган сўнгги қисми. Наво савти. Савти ушшоқ. Савти муножот. — Шамол ўйнаб чўлнинг бутун танаси силкинар ва электр симлари чанг қилларидай титраб, уллардан қайси бир мақомнинг савти эшитилаётганга ўхшар эди. С. Акбарий, У ҳаётни севади.

2 Овоз, товуш | Хониш, сайраш. Андалиб бир савт ила бўйди гирифтори қафас, Зор минг савт этса, қайси дил паршондир ана. Ҳамза.

**САВТИЁТ** [a] эск. кт. айн. фонетика.

**САВК** [a] эск. кт. Ҳис, туйғу; ҳиссиёт. — Муҳаббат нима? — деди у бир кунни, бўшатган рюмкисини столага қаттиқ қўйиб, — савқи табийи. А. Қаҳҳор, Сароб.

**САГ** [ф-т] эск. кт. Ит; кучук.

◆ Саги об эск. кт. айн. морж.

**САГБОН** [ф-т] эск. Ит боқувчи.

**САД I** [a] қ. сад(д).

**САД II** [ф-т] диал. Юз. Сад бор юз марта, юз қарра. Ва-лек чўпонни кўрдим зор йиғлаб, Қўзида ёш қатор сад бор йиғлар. «Рустамхон».

◆ Сади пок қиш даврининг тўлиқ юз кунни (90 кун қиш ва 10 кун баҳор — қишнинг батамом ўтганлигини билдиради). Бугун 10 март — сади пок бўлди.

**САДА** Эманлар онласига мансуб сершоҳ, серсоя катта дарахт. Сада соя берар, тол ҳода берар. Мақол. — Иллар кўшининг сўнги шўғласи Сада, чинорларнинг кўм-кўк барғига. Х. Расул. Шакархон ҳовуз бўйидаги саданинг тагига жой солди. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Сада қайрағоч шох-шаббалари шар шаклида тўп бўлиб ўсадиган қайрағоч. Сада қайрағоч ва тол шохларида чирқиллашган тинимсиз чумчуқлар .. бўлмаса гузарни пайши учса

эшитиларлик жимлик қамради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сада райхон шох-шаббалари шар шаклида тўп бўлиб ўсадиган райхон. Хайдар ота бир туп сада райхонга қўл уриб искади. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**САДАФ** [a] 1 Марварид ҳосил қиладиган, моллюскаларга мансуб бир турли денгиз жонивори.

2 Шу жониворнинг ва бошқа баъзи моллюскаларнинг чиганоғидан тайёрланадиган, ранг-баранг товланиб турадиган ялтироқ модда. Дастасига садаф қадалган пичоқ. || Садаф тугма. Садаф тиш садафдек ялтироқ оппоқ тиш. Гулсум садаф тишларини кўрсатиб жимлайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**САДАҚА** [a] 1 Тиланчиларга, муҳтожларга бериладиган хайр, эҳсон. Садақа бермоқ. Садақа сўрамоқ. — Қари аттор садақага қўл чўзган адоидини ҳақоратлаб, паранжили аёлларга кўз қисади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ҳар замон ақин-йироқдан гадоий товуши эшитилади; ҳеҳй дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, баҳавли расули худо». А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

2 Дин. Наҳот истаб азиз-авлиёларга, худо йўлига бериладиган эҳсон; қурбон. Адолатга қизамиқ чиққанда эр-хотин уч кунгача киприк қоқмасдан унинг тепасида ўтиришди, қўлларига илнган ҳар бир нарсани унинг бошидан айлантириб садақа қилиб юборишаверди. С. Зунтунова, Гулхан. | Умуман хайр-эҳсон, нафақа. Келчак кўтариб пул йиғувчилар давра айланиб, .. садақа йиғар эдилар. Ғ. Ғуллом, Шум бола. [Заргаров:] Утган кунни пул юборган эдим, олабди. «Менга садақа керак эмас, судга бериб қонуний алимент оламан», деган эмиш. Хайронман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тиллар.

◆ Садақанг бўлай (ёки кетай) қурбонинг бўлай, айланай, ўргилай. Доно одамга садақа бўлсанг арзийди. Ойбек, Қутлуг қон. Садақан одам кет айн. садқан одам кет қ. садқа. Анзирот хола Сидиқжонга: «Вой садақаи одам кетинг, наҳот киши шундай болани қўйиб бу ёқларда юрса!». А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Садақан сар айн. садқан сар қ. садқа.

**САДАҚАЧИ** Садақа сўровчи; тиланчи, гадоий.

**САД(Д)** [a] кт. Мустаҳкам қалъа ёки шаҳар девори, тупроқ кўрғон. Сади чиний тар. Ҳитой девори. Сади Искандар(ий) гўё Александр Македонский қурган афсонавий девор. Қанотларинг йўқки, бу садди Искандардан учиб ўтсанлар. Ойбек, Навоий. Са(д) боғламоқ (ёки қурмоқ, чекмоқ) 1) мустаҳкам девор қурмоқ, тупроқ кўрғон кўтармоқ. Мавлоно Аёзий бўлғуси ҳўжумларга қарши улур сад ясамоқдалар. Ойбек, Навоий; 2) кўйма ғов, тўғаноқ солмоқ. Утмасин гул фасли хуш баҳра ҳамалдан то асад, Фитна қўзғаб шум рақиблар боғламай йўлларга сад. Гуллишим зийнат



топар қўйсанг қадам, эй сарви қад.  
Ҳабибий.

**САДДИ-БАСТ** [a+ф-т] Бўй-баст, қадди-қомат. Бир босиб Равшаннинг олдига келиб, садди-бастига, баланд-пастига қараб «хўн йиғит экан», деб Оққиз кўп беҳузур бўлди. «Равшан».

**САДО** [a] Товуш, овоз. Музыка садоси. Оркестр садоси. — Ёдгор чўпонларга жўр бўлиб уларнинг ашуласини найнинг ҳазин ва ёқимли садоси билан бештарди. Айний, Дохунда. Урмон ичи қоронги, қушларнинг сайраши ва қайин дарахтларининг шитирлашидан бошқа садо эшитилмайди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Совет жангчилари «Ура» садолари билан борлиқни янгради, душман позициясига шердек отиларди. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача. Акс садо қ. акс I. Садо чикмади овоз чиқармади, чуққ этмади, индамади. Мана мажлис очилди. Қим гаяиради? Ҳеч кимдан садо чиқмади. А. Қаҳҳор, Кампирлар сям қокди.

**САДОҚ** Камалак ўқлари жойлаб белга боғланадиган ёки елкага осиб юрладиган асбоб; тирдоп, ўқдоп. Отлиқнинг ёнида кумуш дастали қилич, белида ўқ-эй ва еттига ўқ солинган садоқ осилдиқ туради. М. Осим, Ут-роп.

**САДОҚАТ** [a] I Чин қалбдан берилганлик; содиқлик, вафодорлик. Садоқат билан Ватанга хизмат қилмоқ. Садоқат кўрсатмоқ. — Сенинг элга садоқатингни, Мардликни билар эдим мен Улуғ жанга йўллар эканман, Сенга зафар тилар эдим мен. Уйғун. Икки севаучи қалбнинг орзулари, йўллари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар, уларнинг севаги ва садоқатларини кучлироқ алангалатар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Садоқат (хотин-қизлар исми).

**САДОҚАТКОР** [a+ф-т] поэт. Чин қалбдан берилган; садоқатли, содиқ, фидокор. Садоқаткор совет жангчилари.

**САДОҚАТЛИ** Чин қалбдан берилган, содиқ; вафоли, вафодор. Садоқатли ёр. Садоқатли одам. Ватанга садоқатли бўлмоқ. — Шу ёнғинни кўрганлар билсинларки, Шўронинг садоқатли фарзанди Бўронбек Арслонбек ўғли тухтамга чидай олмай ўтда ёнаптир. Х. Ғулום, Машғал.

**САДОҚАТСИЗ** Садоқатни билмайдиган, садоқатдан йироқ; хиёнаткор, бевафо.

**САДОҚАТСИЗЛИК** I садоқатсиз с. белги оти.

2 Садоқатсиз кишиларга хос иш, хатти-харакат; хиёнаткорлик, бевафолик.

**САДПОРА** [ф-т] поэт. Юз пора, пора-пора, чил-чил. Яхши кунлар бўлиб қора, Юрагим неча садпора. «Ал-помииш». [Навоий] ажал кўксини пора-пора қилмиш. Ачинмай бағрини садпора қилмиш. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**САДР I** [a] тар. Вақф ва дин ишлари билан шуғулланувчи амалдор. У [Навоий] садрлардан бир нечасини йиғиб, вақф ишларининг аҳоли ҳақида маълумот олди. Ойбек, Навоий.

**САДР II** [a] I дин. Зикрда энг жўшга келган ҳолат; жазав.

2 Қаттиқ айтиб, овоз чиқариб йиғлаш (азада).

**САДҚА** [a садақа]: жон садқа жон садақа, жонни садақа қилса арзийди. Тўғри сўз дўстлар учун жон садқа, қурбон бўл унга. Узма ундан дўстликни, сўзи ёлғон бўлмаса. С. Абдулла. Садақа кўз ёшинг кўз ёшингдан айлансин, кўз ёшингга арзимади. — Қўй, қизим, — деди Пётр Кузьмич, .. — Садақаи кўз ёшинг кетсин. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Садақа одам кет одам бўлмай ўл, одамдан айлан. У [чол], мулла Норқўзига қўлини паҳса қилиб деди: — Садақаи одам кетинг-э, айб эмасми? А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Садақаи сар I) бошдан садақа, бошдан айлансин; 2) ажаб бўлибди, хўп бўлибди. Удирсан бўлсангиз, садақаи сар .. Ит деган махлуқ топиларди, аммо одам топилмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**САДҚАЙНСАР** [a+ф-т] (тўғриси садақаи сар) қ. садқа.

**САЁЗ I** Унча чуқур бўлмаган, таги юза жойлашган; паст. Саёз қўл. — Адолат жилдираб оқиб ётган саёзгина ариқчадан қўлини ювиб, рўпарадаги туйнукка қараб кетди. С. Зуннунова, Гулхан. — Кўп ҳовлиқини ярамайди, афандим, — бойвачча суқилди сўзга, — саёз дарё шовқин билан, чуқур дарё сокин оқади, деган гап бор. Ойбек, Нур қидириб. Қўлнинг саёз жойларида одам бўйи қамишлар, яканлар ўсиб ётар, .. эди. Ж. Шарипов, Хоразм. I рви вази фасида Унча чуқур эмас, юза. Ерни саёз ҳайдамоқ. Жўякларни саёз олмоқ.

2 кўчма Мазмунан сийқа, юзаки, ғўр. Саёз асар. Саёз фикр. — [Абдушукур] шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай, .. «миллатни уйғотиш» учун вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Хусайн:] Мамлакатимизнинг ақли ҳисобланмиш соҳибни табдир, доно Навоийнинг бу кун .. саёз мулоҳазалар юртишининг боиси не бўлди экан? Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**САЁЗЛАНМОҚ I** Суви камайиб ёки оқинди жисмлар (балчиқ, шағал ва ш. к.) тўпланиб таги юзароқ бўлиб қолмоқ. Тез саёзланадиган дарёлар.

2 кўчма Мазмунан сийқалашмоқ, юзакироқ бўлиб қолмоқ. Фикрингиз саёзланиб қолибди.

**САЁЗЛАШМОҚ** айн. саёзланмоқ. Дарё саёзлашиб қолипти. Инсон ўз устида шилламаса, унинг фикри саёзлашади.

**САЁЗЛИК I** саёз с. белги оти. Қўлнинг саёзлиги. Атарнинг саёзлиги. — — Образинг бадийи саёзлиги мени янада жиддий хавотирлантирарди, — деди

Обид Жалилов у билан қилинган суҳбатда. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 Таги унча чуқур бўлмаган, саёз жой. Чўкиб кетай дейишига қарамадан, Полвон тўғри қўйиб юбормас, сузиб саёзликка интиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**САЁК I** Ҳар ерда санқиб, дайдиб юрадиган; дайди. Саёк одам. Саёк ит. || Саёк юрсанг, таёк ейсан. Мақол. — Яхшигина овози борлигини пайқаб олан бир-иккита саёк сөзандалар уни тўғрига қўшиб олдилар. С. Қароматов, Ҳижрон. Кеча-кундуз кўча-кўйда тентираб юрди саёк, Сўзласа жон қуйдириб ким солмади ҳаргиз қулоқ. Ҳабибий. Саёк учун икки дунё бир қадам. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ёмон йўлларга юрадиган; ахлоқи бузуқ, фаҳш. Яшириб нима, Тўғтаназар қўрс, тўнг, ичкиликка ружу қўйган, тўғриси айтсам, саёкроқ йиғит эди, меҳнатга бўйин бермасди. Й. Памшаров, Қаҳрамонлик йўли.

**САЁКЛИК** саёк с. белги оти. — Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўқинар эдим, — деди Шум бола. Ғ. Ғулום, Шум бола. У [Фотима] синглимга ҳар замонда ёзан хатига эри ҳақида лом-мим демас, ўзи хоҳлаб текканининг саёқлигидан ва бағри тошлигидан нолишга, очиги, ор қиларди. Х. Назир, Утлар туташганда.

**САЁХАТ** [a] Дам олин, ҳордиқ чиқариш ёки дунёни кўриш, ўрганиш мақсадида қилинган сафар. Дунё саёхати. Илмий саёхат. Туристлик саёхат. — Эртасига ўзбекистонлик пионерларнинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига саёхати бошланди. Н. Орифзонов, Ҳаловат.

**САЁХАТЛАШМОҚ** с. т. Бирга ёки ёлғиз саёхат қилиб юрмоқ, кезмоқ.

**САЁХАТНОМА** [a+ф-т] I Саёхат кундалиги, саёхатда олиб борилган кундалик дафтар.

2 ад. Саёхат таассуротлари ҳақидаги нома, асар. Муқимий «Саёхатномаси».

**САЁХАТЧИ** Саёхат қилган, саёхатда юрган ёки саёхатни яхши кўрадиган одам. Дунё саёхатчилари. Чет эллик саёхатчилар. || Саёхатчи олимлар. — Саёхатчи жарликдан ўтиб, тоғ ён бағрига етдилар. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**САЖ** [a] ад. Қофияли проза. Саж-ўзбек халқ оғзаки ижоди учун характерли хусусиятлардан бирidir.

**САЖДА** [a] дин. Ибодатда ёки сифинишда тиз чўкиб ва бош эгиб пешани ерга тегизин. Умида боши саждага тегмаган Хайитмат ака, нима ҳам бўлди-ю, .. сўфининг қистови билан қишлоқ масжидига бориб қолди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. Афанди бир кун икки рақат пешин намозини ўқигандан кейин, саждадан бош кўтармай, тўнқайсанча ёта берди. «Латифалар». Сажда қилмоқ I) ибодатда бош қўймоқ; 2) кўчма бош эгмоқ, тиз



чўқмоқ, сиғинмоқ. Раисга сажда қилувчи хушоматдўйлар ҳам озмунча эмасди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) кўчма хурмат билан қарамоқ, таъзим қилмоқ. Колхозга кирдим, уй-жойли бўлдим, .. меҳнатга сажда қиладиган бўлдим. А. Хасанов, Чироқлар.

**САЖДАГОҲ** [a+ф-т] 1 дин. Сажда, ибодат қилинадиган жой; қадамжо.

2 кўчма Муқаддас, азиз жой. Мана йша уй, мана менинг саждагоҳим. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**САЗАН** Карплар оиласига мансуб дарё балиғи; танга балиқ.

**САЗЗОЙИ** с. т. Сазойи.

**САЗО I** [ф-т] 1 Қилмишига яраша танбех, таъзир. Сазо бермоқ. — [Зуннуво:] Сизнинг колхозингизни деб Муродовадан мен сазо эшитдим. И. Раҳим, Ихлос.

2 Оний истак; интилиш; шахт. Йиштининг сазоси сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин. Мақол. Сазосини қайтармоқ (ёки ўлдирмоқ, ерда қолдирмоқ) илтимосини, шахтини қайтармоқ. Уғлимдан айланай, ҳар бир бечоранинг дардида малҳам топади, сиздай азиз одамларнинг сазосини ҳеч ҳам ерда қолдирмайди. Ж. Шарипов, Хоразм. Курбон ота унинг суҳбатини хушламаса ҳам, одамнинг юзи иссиқ, ҳамсафар бўлиши тўғрисидаги сазосини ўлдирмади. А. Қаххор, Қўшчинор.

**САЗО II** диал. Садо, товуш, овоз. Нега бўзраясан, олмайсани бунни? Хотинидан сазо чиқмаган, Соҳиб қори қўлидаги сарполарни Ҳолиданинг бошидан ошириб ичкарига отди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**САЗОВОР** [ф-т] Қилмиш, хизмати ёки белгиларига кўра бирор баҳога арзийдиган; муносиб, лойиқ. Роҳат қилсин, майли ҳақли, у сазовор. Ф. Гулом. Отабекка бу йўлда кўмакчи бўлиб юрган Марғилон фуқароси Мирзакарим қутидор ҳам шу жазога сазовор тутилади. А. Қодирий, Утган кунлар. Сазовор бўлмоқ 1) арзимоқ, лойиқ, муносиб бўлмоқ. [Йўлчи] Шокир отадан шундай илтифотга, мақтовга сазовор бўлган синглисини тўйиб кўриш учун кўзлари ҳовлини айланди. Ойбек, Қутлуғ қон. Жанобнинг олдидарида шармисор, ғазабга сазовор бўлдим. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) лойиқ, муносиб топилмоқ, эришмоқ. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби иновчига сазовор бўлмоқ.

**САЗОВОРЛИК** сазовор с. белги оти. Диққатга сазоворлик. Хурматга сазоворлик.

**САЗОЙИ** [ф-т] Эл кўзида сазога, танбех-таъзирга лойиқ. Мени турғизиб қўлимни орқамга боғладилар. Бозорма-бозор айлантириб, бошимга қамчи билан уриб: «сазойи киши одам ўлдирсин»,— деган гапни баланд овоз билан такрор .. қилар эдилар. Ф. Гулом, Шум бола. Сазойи қилмоқ эл кўзида сазо, танбех, таъзир бермоқ (йилгарн бу мақсадда гуноҳкорларни эшакка тескари миндириб, юзига қора

суриб, одам гавжум жойларда айлан-тириб юрилар эди).— Мени сазойи қилиб бўлганларидан кейин оломон тошибўрон қилиб ўлдирмоқчи эди,— деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

**САЙД** [a] эск. кт. 1 айн. бахтли. Соати сайд бахт соати, бахтли соат, он, пайт.

2 Сайд (эркаклар исми).

**САЙД** [a] 1 эск. кт. айн. ов. Сайд қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ов қилмоқ, тутмоқ; 2) кўчма мафтун қилмоқ, банд этмоқ. Бир табассум бирла сайд этдинг кўнглини аввало, Охири нозу тоғоғили бўлди иш, эй дирабо. Ҳабибий.

2 Ов қилинган нарса, ов ўлжаси. Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек. Фурқат.

**САЙЁД** [a] эск. кт. айн. овчи. Сени отган сайёд сайёдмас, Уқ узса гар у, одамзодмас. А. Абдуразоқ.— Унинг [Моҳидиллини] ичидагини яққол сезиб, кўриб турардим. Кўзларимга ҳайрат билан боқди-ю, сайёд домидан хурккан оҳудай жон талвасада қочиб қолди,— деди Гулом ака. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САЙЁР** [a] 1 эск. кт. айн. сайёҳ. Носирбой ҳам бўйи келмайди:— Мен! Номим Носир сайёри Самарқандий. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 кўчма Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб хизмат қиладиган. Сайёр вистава. Сайёр устахона. Сайёр кино. | Дониш жойдан бошқа ерга бориб ўтказиладиган, уюштириладиган. Суднинг сайёр мажлиси. Сайёр илмий сессияси. | Муқим турар жойдан бошқа жойларда кезиб юриб, иш олиб борувчи. Сайёр мухбир. — Унда-бунда сайёр авторларнинг иш кетди, иена кетди, ..» каби қичқириқлари .. шаҳар шовқинига мадад бериб туради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Сайёр (эркаклар исми).

**САЙЁРА** [a] 1 астр. Куёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи осмон jisми, мас. Меркурий, Венера, Ер, Марс.

2 Муқим турар жойи йўқ, дарбадар кезувчи, дарбадар.

3 Сайёра (хотин-қизлар исми).

**САЙЁХ** [a] 1 Саёҳат қилувчи; саёҳатчи. Жаҳонаштра сайёҳ йўлни забт этади, тажрибакор деҳқон чўлни забт этади. Мақол.

2 эск. Экскурсия қатнашчиси; экскурсиячи, экскурсант.

**САЙИД** [a] дин. 1 Муҳаммад пайгамбар авлодларига мансуб киши. Отанг сайид, знанг қандай паризод Сен шекилли сулув тўғмас одамзод. «Бўтакўё». Вагондаешлар орасида оқ соқолли муллалар, кўк саллали сайидлар, чалмалли қариялар, нариги вагонда эса, нукул аёллар. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Эркаклар исмининг таркибий қисми, мас. Сайидкарим, Сайидолим.

**САЙИЛ** [a] 1 этн. Баҳорда ўтказиладиган катта халқ сайр-томошалари,

сайр-томоша. Айни баҳор кулган чор эди, Сайил жойи сулим боғ эди. Э. Воҳидов.

2 Умуман катта ва тантанали сайр-томошалар. Фестиваль-йиллик сайли, Қўшиқлар учсин найли, Шодиёна тинмасин Қирқ кеча-кундуз, майли! Е. Мирза. Сувда қундузлар Барқ уриб турар, Гўёки қизлар Сайилда юрар. Шайхзода. Водақачканинг очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди. А. Қаххор, Қўшчинор. Сайил боғ халқ сайиллари ўтказиладиган катта боғ, парк, сайилгоҳ. Қовун сайил қовунхўрлик ва сайр-томоша мақсадида кўпчилик бўлиб далага — қовун полизга қиқши. Бугун бизга қўйиб борадиларди. Қовун пишиб қолди, қовун сайли қиламиз. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

3 Сайр-томоша мақсадида кезиб юриш; саёҳат. Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил. Мақол. — Бир йили шаҳарма-шаҳар сайил қилиб, Батумига бориб қолдим,— деди Бондарь. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САЙИЛГОҲ** [a+ф-т] Халқ сайиллари ўтказиладиган жой, боғ, парк. Унинг [шаҳарнинг] кўчалари, боғ-боғчаларининг йўлка-ҳибонлари катта сайилгоҳдай гавжум эди. Туйғун, Юрак қўшиқлари. Қўклам чоғларида бу майдон деярли ҳар кун сайилгоҳга айланиб кетди. А. Раҳмат, Варракчи чол.

**САЙИН** кўм. (б. к. билан) 1 —ган аффиксли сифатдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тобора кучая боришини билдиради. Йўлчи сўзган сайин ўзини енеил сезар, томирлари кенгаяр эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Борган сайин борган сари, тобора. Шамол борган сайин зўраймоқда. — Ҳали туғилмаган болани ер ютқур бедине-а,— деди Туробжон борган сайин тўтоқишиб. А. Қаххор, Анор.

2 Вақт билдирувчи сўзлар билан келиб иш-ҳаракатнинг тадрижий кучая бориши ёки такрорлашини билдиради. Аҳвол кун сайин ўзгармоқда. Минут сайин сўраб турмоқ. Республикада пахта ҳосили йил сайин ошиб бормоқда. — Соат сайин ишларинг олдин боссин. Ойбек, О. в. шабадалар. Улар [қундошлар] арзир-арзимас нарса устида минут сайин талашиб-тортишар эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САЙИШ:** сайиш қилмоқ айн. расад қилмоқ қ. расад II.

**САЙЛАМОҚ** I Овоз бериш йўли билан давлат ёки жамоат органлари аъзолигига тайинламоқ, ўтказмоқ. Президиум сайламоқ. — Бригадирликка, звановойликка энг яхши, илғор, тажрибакор, шининг кўзини билладиган жонкуяр одамларни сайламоқчимиз. Уйғун, Навбахор.

2 Танламоқ, танлаб, саралаб олмақ. Бир данак, қаламчадан Ундирдилар атайлаб, Мирзачўлда ёссин, деб Қўчат асилин сайлаб. Қ. Муҳаммадий. Эй улуг рус халқи, севдим меҳр ила

жондан сени, Сайладим катта оғам деб, тоза виждондан сени. А. Пўлат.

**САЙЛАНИШ** сайланмоқ фл. иш оти. Президиумга сайланиш. Депутатликка сайланиш. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи.

◆ **Табий сайланиш** биол. жонли организмларнинг тарихий тараққиёт процессида ҳаётини шароитларга мослашиб боришини белгиловчи ривожланиш қонунияти.

**САЙЛАНИШМОҚ** сайланмоқ фл. бирг. н. Ясов тортган сатта ботир, Сайланишиб келаётир. «Равшан».

**САЙЛАНМА** 1 Сайлаб қўйиладиган, сайлов йўли билан белгиланадиган, тайинланадиган. Сайланма органлар.

2 эск. Тапланган, таялаб, саралаб олинган. Ёзувчининг сайланма асарлар тўплами.

**САЙЛАНМОҚ** сайламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Депутатликка сайланмоқ. — Ботирли Исмоилов ўрнига сайланган котиб темирчи Содиқ ака билан маслаҳатлашиб, буён ячейка мажлисини ўтказишга .. қарор бердик. Ҳ. Фулом, Машъал.

**САЙЛАШМОҚ** сайламоқ фл. бирг. н. **САЙЛОВ** Овоз бериш йўли билан давлат ва жамоат органлари аъзолигига тайинлаш, ўтказиш маросими, мажлиси. Очiq сайлов. Сайлов кампанияси. Яширин овоз бериш йўли билан сайлов ўтказмоқ. Сайловда қатнашмоқ.

**САЙЛОВЧИ** Сайловда қатнашувчи киши, сайлов мажлисининг иштирокчиси. Сайловчилар билан учрашув. Сайловчилар йиғилиши. — Агитпунктларни айланиб чиқдим. Сайловчиларнинг иштироки ёмон эмас. Ойдин, Садаган бўлай, командир.

**САЙР** [а] Ҳордиқ чиқариш, томоша қилиш учун бирор жойда айланиш, кезиш. Боғ сайри. Шаҳар сайри. Жаҳонни сайр этмоқ. — Қолмай шаҳарда тоқатим, Қишлоқ чиқардим одатим, Ҳоҳи яёв, бўлсин отим Гоҳ сайр ҳам даркор экан. Муқимий. Чехранда бор олтин табассум, Чаманларнинг сайрида кўнглинг. Атир ҳидли гул, лолалар-ла, Безангандир келажак йўлинг. Ғайратий. Ёшлар .. электр чироқларининг нурига чўмган катта кўчаларни сайр қилиб кетдилар. П. Турсун, Ҳўкутовчи. | Умуман кезиш, айланиш; сузиш. Булутларнинг оҳистагина сайридан сезилар-сезилмас шамол юриб, енгилгина бир изгирин ҳам юзга келиб тўқинар эди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. Осмонда гала-гала булутлар сайр қилиб юрса-да, ёмғирдан асар йўқ. Ж. Шарипов, Хоразм.

**САЙРАМОҚ** 1 Ёқимли оҳангдор овоз чиқармоқ, хониш қилмоқ (қушлар ҳақида). Атрофига эккан тоза шамшод гул, Ҳар шоҳида сайраб ўтирар булбул. «Равшан». Арчанинг орасида яна каклик сайради. С. Анорбоев, Оқсой. | Умуман ёқимли, оҳангдор овоз чиқармоқ, жарангламоқ. Дуторининг торлари, Қўш булбулдек сайрайди. «Қўшиқлар».

2 кўчма Келиштириб гапирмоқ, чиройли сўзламоқ. Бурчингизни оқлаб, эркинлик билан қойил қилиб, Булбулигё бўлиб минбарда сайранг, дўстлар. Ҳабибий.

3 кўчма салб. Бир оҳангда тинмай гапирмоқ, вайсамоқ, жаврамоқ. Назиркўр ичиб олса, ҳеч кимга сўз бермас, ҳа деб ўзиникини маъқулаб, мақтаниб тоза сайрар эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**САЙРАТМА** Сайратиш учун сақланган, яхши сайрайдиган (бедана ҳақида). Сайратма бедана. || Ҳўндамунда хўроз ва сайратмаларнинг овозлари эшитила бошлади. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**САЙРАТМОҚ** 1 сайрамоқ 1, 2 фл. орт. н. Беданани сайратмоқ.

2 Маҳорат билан чалмоқ, навозиш қилмоқ. У дуторни сайратиб юборади. — Жануб ёқда кумуш сувли дарода Найни беғам сайратарди чўпонлар. Шайхзода.

**САЙРАШМОҚ** сайрамоқ фл. бирг. н. Эркин-эркин учиниш, Осмонни бўйлаб. Қўрқмай ерга тушингиз, Сайрашиб, куйлаб. И. Муслим.

**САЙРГОҲ** [а+ф-т] 1 Сайр қилиб, хордиқ чиқариш учун мос жой. Шаҳримизда сайргоҳлар кўпаймоқда. — Хушҳаволи сайргоҳ, Яна сенга келидик биз. Танларимиз чиниқсин, Кенг қўйингга кирдик биз. З. Диёр.

2 айн. сайингоҳ. Терим манзараси ажойиб бир сайргоҳни эслатади. Туйғун.

**САЙРОН** [ф-т<а] фольк. Сайр, сайр-томоша, сайр-томошалар. Кўҳиқофни сайрон, Девларни ҳайрон қилган, Тўхтамши Қора девнинг Маконини вайрон қилган, Гўрўғли қаттоли шудир Одамхўр баттоли шудир. «Хушкелди».

**САЙРОҚ** 1 Яхши сайрайдиган, хушнавоз. Сайроқ қуш. — [Навий:] Кўзимнинг нури, кел, тоза гулли, кел! Қўнғил боғида сайроқ булбулим, кел! Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 Хониш, навозиш, сайраш. Бу вақт шу бойқушлар сайроғи ичидан инграш каби бир товуш ҳам эшитилгандек бўлади. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**САЙРОҚИ** 1 Сайрайдиган, сайровчи. Сайроқи қушлар. Сайроқи бедана.

2 кўчма салб. Жағи тинмай бир оҳангда гапирверадиган; вайсақи, сергап. Сайроқи хотин. || Ҳа, бу сайроқи, аввало, бир нарсанинг тағига тушмасин. Тушгандан кейин катта ошналарининг қулоғи тағига бориб ёмонлаб сайрай берса, ҳар қандай ишни ҳам дўндирмай қўймайди. П. Турсун, Ҳўкутовчи.

**САЙР-САЁХАТ** [а] Сайр ва саёхат, сайр ва саёхатлар, сайр ва саёхатда кезиш.

**САЙР-ТОМОША** [а] Сайр ва томоша, сайр ва томошалар, сайр ва томоша қилиб юриш, кезиш, айланиш, сайил. Улар дастгоҳ ёнида ҳам, ётоқда ҳам, ошхонада ҳам, сайр-томошаларда ҳам

доим биз билан бирга бўдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**САЙРЧИ** Сайр қилиб юрувчи, сайрда юрган киши. Сайрчиларнинг деярли ҳаммаси .. «сара» халқ, Ойбек, Навоий.

**САЙС** [а] диал. Отбоқар.

**САЙСХОНА** [а+ф-т] диал. Отхона.

**САЙҚАЛ** [а] 1 Нарса сиртига берилган жило; пардоз, ишлов. Қадимий обида деворлари ва миноралар сайқалида зўр талант ва истеъдод ёрқин акс этиб турибди. — Харсанг тошларга сайқал бераётган Миср фарҳодларининг мураккаб санъатида қойил қолдик. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак | Силлиқлик. Тўлақинлар, гоҳ қўш нурларини гранит қирғоқлар сайқалига туширар ва гоҳ тошни ёндирар, гоҳ гранит қирғоқлар сайқалини ўзда акс этдириб жилваланди. П. Қодиров, Уч илди.

2 кўчма Ишланиш натижасида эришлган камолот, баркамоллик, силлиқлик. Гулчехранинг кўзлари чарақлаб ёнар, ёноқлари бугриққан, овозининг сайқали янада тиниқ, ийҳан тўлақин уриб оқар эди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Актёр ўзининг ижрочилик маҳоратида сайқал бериш, реалистик ижоднинг янги томонларини қидириш ва ўзлаштириш юзасидан тинмай иш олиб борди. Ф. Жўраев, Обид Ҳалилов.

3 кўчма Зийнат, хусн, кўрк. Меҳнат умр сайқали, ҳаёт бегадидир. — Қўнғина қадимги иморатлар қизил тош ва оқ мрамордан ишланганки, бу уларга хусн ва сайқал бериб туради. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. **Сайқал топпоқ** 1) ишланиш натижасида камол топпоқ, мукамаллашмоқ, силлиқлашмоқ. Раққосанинг саънати тобора сайқал топпоқда; 2) кўчма гўзаллашмоқ, хусн, кўрк касб этмоқ. Ривож олай муҳаббат бирла меҳнат, Топар меҳнат билан сайқал муҳаббат. Ҳабибий.

**САЙҚАЛЛАМОҚ** 1 Силлиқлаб жило, пардоз бермоқ, жилоламоқ. Мрамор тошни сайқалламоқ.

2 кўчма Ишлаб камолотга етказмоқ, баркамол қилмоқ, силлиқламоқ. Асарни сайқалламоқ. Ижодни сайқалламоқ.

3 кўчма Зийнат бермоқ, хусн, кўрк бағишламоқ. Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон бўйи коқиллари, тўхтанг, менга навбат. Т. Тўла.

**САЙҚАЛЛАНМОҚ** сайқалламоқ фл. мажх. н. Сайқалланган тош.

**САЙҚАЛЧИ** 1 Сайқал берувчи, силлиқловчи, жилоловчи уста.

2 кўчма Ишлов бериб камолотга етиштирувчи, баркамол қилувчи, силлиқловчи.

**САЙҒОҚ** Қўш туёқли, кавш қайтарувчи сўтэмизувчи чўлда яшайдиган ҳайвон.

**САЙҲОН** Катта текис очик жой, майдон. || Сайҳон ер. — Замон завқига ҳамдам боғларингда гул ва рай-

ҳонлар, Гулистону чаман бўлсин қарқир чўл, дашти сайҳонлар. А. Пўлат.

**САЙҲОНЛИК** Сайҳон жой, сайҳон. Аэродром шу ердан уч юз қадамча нарида қарагайзор ўртасидеги сайҳонликда. Х. Фулом, Тошкентликлар.

**САҚ** [ф-т] с. т. Саг. Сак йили айн. ит йилн қ. ит 5.

**САКИЛЛАМОҚ** Бекор санқиб юрмоқ, сандироқламоқ. Ярим кечагача қаерда сакиллаб юрдинг?

**САКИЛЛАШМОҚ** сакилламоқ фл. бирг. н.

**САККИЗ** снқ сон 8 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Саккизу саккиз — ўн олти. Саккиз киши. Саккиз сўм. — Саккиз меҳмон ичида иккиси бениҳоят семиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қоҳоз клубининг очилиш маросими бешинчи ноябрь кеч соат саккизга белгиланган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Санамай саккиз** дема олдиндан хулоса чиқарма, яхши билмасдан туриб иш тутма, ҳукм юргизма.

**Султоновнинг айтишига қараганда, ер ҳам ориқ, куч ҳам йўқ, .. бу ерларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай «очаверинглар» дейиш қалтир эмасми? Султонов санамадан саккиз дейдиган одаммас-ку!** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Саккиз тепки атлас** саккиз тепкили дастгоҳда тўқилган атлас; хонатлас. **Шу ўн беш куннинг ичида саккиз тепки атласдан лоқал икки жўра йиғиб қўйингиз, ёдингиздан чиқармангиз!** А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**САККИЗИНЧИ** тартб сон 1 Тартиб ўрни 8 рақами билан белгиланган, 8 номерли. Саккизинчи уй. Саккизинчи бет.

2 Катта-кичик нарсаларнинг еттинчидан катта, тўққизинчидан кичик ўлчам номери. Саккизинчи калиш.

**САККИЗЛИК** 1 ад. Саккиз сатрли шеър банди, саккиз сатрдан иборат шеър.

2 Саккиз холли қарта. Таппоннинг саккизлиги.

**САККИЗТА** дона сон Саккиз дона ёки нафар. Саккизта олма. — Саккизта бола бирдан: «Бўпти, жуда сози!» — дейишди-да, деворга тирмашиб томага физиллашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САККИЗТАДАН** тақс. сон Саккиз донадан ёки нафардан. Уттиз икки самолёт саккизтадан бўлиб борар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**САКРАМА** Уқтин-уқтин ёки вақти-вақти билан бирдан ўзгарадиган, сакраб ўтадиган. Сакрама характердаги ривожланиш.

**САКРАМОҚ** 1 Куч билан гавдани отиб бир мунча вақт ҳавода учмоқ; ирғимоқ. Югуриб келиб сакрамоқ. Машинадан сакраб тушмоқ. Ариқдан сакраб ўтмоқ. — У ҳозир Фуломжонни ўриқдан деворга, девордан ёнига сакраб тушади, деб ўйлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. (Ўрнидан) сакраб турмоқ (Ўрнидан) тез, сапчиб, ирғиб тур-

моқ, дик этиб турмоқ. Хонимбиби қизларга қистатиб ўтирмай, ўрнидан сакраб турди-да, ўйнаб кетди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Булутга (ёки кўкка) сакрайдиган чопқир ва ўйноқ (от ҳақида). Бу ердаги отлар турли тусда ва турли бичимда бўлиб, зотли, нодир отлар эди. Халқ бундай отларни «булутга сакрайдиган от» дейди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ерга урсанг, кўкка сакрайди** ниҳоятда шўх, олов (асосан болалар ҳақида). | кўчма Жойдан жойга ўтмоқ, кўчмоқ. **Читтак шохдан шохга сакраб каттак изласа, Набиғул заводдан заводга сакраб нима излайди, дейсиз-да?** А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Урилиб қайтмоқ, ирғимоқ, сапчи-моқ. **Тўн ердан сакраб, одам бўйи кўтарилиди.** — **Пастда, бир терак бўйи чуқурда зилол сой тошдан-тошга сакраб, қирғоққа урилиб оқарди.** Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

◆ **Юз газ (нари) сакрамоқ** ўзини четга олмоқ, безилламоқ. **Иш талаб қилсанг, хурқиб юз газ сакрайсиз.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**САКРАТМОҚ** сакрамоқ фл. орт. н. Девордан сакратмоқ. **Фовлар оша сакратмоқ.** Самолётдан парашют билан сакратмоқ.

**САКРАШ** 1 сакрамоқ фл. иш оти. **Бир оёқлаб сакраш.** — У девордан бир сакрашда ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирдан ўтиш, кўчиш, кескин ўзгариш. **Ҳа, 1962 йил бригада ҳаётида катта сакраш йили бўлди.** «Қ. Ўзбекистон», 1964, 4 июнь.

**САКРАШМОҚ** сакрамоқ фл. бирг. н. Юнелари қирқилиб ениб бўлган қўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади. О. Кўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

**САКСОВУЛ** Чўлларда ўсадиган баргсиз дарах ва унинг ёнлғи сифатида ишлатиладиган ёғочи. Қора саксовул. Оқ саксовул. || Саксовул ўтин. — **Ҳаво совуқ, меҳмонхона печкасиз бўлса ҳам сандалига устма-уст .. солинаётган саксовул кўмирнинг чўғи .. бу катта ўйни тандирдек қизитган эди.** Айний, Қуллар.

**САКСОВУЛЗОР** Нуқул саксовул билан банд ер нуқул саксовул экилган ёки ўсган жой.

**САКСОН** 1 80 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Саксондан ўн бешини айирмоқ. Саксон сўм пул. Саксон пуд ун. — **Қани, пулдан чиқар!** Бир юз ўн беш сўм саксон тийин берсанг бўлади. Ҳисобли дўст айрилмас. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

2 Саксон (эркаклар исми).

**САКСОНИНЧИ** тартб сон. Тартиб ўрни 80 рақами билан белгиланган, 80 номерли. Саксонинчи уй. Саксонинчи бет.

**САКСОФОН** [р] Пуфлаб чалинадиган музика асбобларининг бир тури. Саксофон чалмоқ.

**САКТА** [а] 1 эск. айн. апоплексия.

2 Шеърда вазн жиҳатидан тўмтоқлик, етишсизлик.

**САКТАЛИК** сакта с. маъ. от. Шеърдаги сакталиқ. — **Қалбим уришига соласан кўлоқ, Ҳеч қачон сакталиқ сезмайсан бироқ.** Р. Бобожон.

**САЛ** рви Бир оз, озгина, андак. **Сал кунда. Сал ғурсат ўтмай. Ўёғи сал оқсайди. Сал тўхтанг.** У салгина илжайди. — **Онаси унинг бутун ҳаракатини таъқиб қилиб туради. Сал кеч қолса, чироқ ўчирмай кутиб ўтиради, неча марта кўчага чиқиб келарди.** Шухрат, Шинелли йиллар. «Ишчи» колхозида Аширмат деган ишгит ҳар кунни сал кам тўрт меҳнат ишлайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Орқасига қараса, икки отлиқ етиб олишига сал қолибди.** Н. Фозилов, Оқим. **Сал нарсага арзимаган нарсага, бўлар-бўлмаста. Сал нарсага араз қилмоқ.**

**САЛАВОТ** [а] дин. Гуноҳдан ўтиш, кечириш, кечим. **Ўтган ишга салавот бўлиб ўтган ишларни, бўлган гапларни унутайлик, гина-кудуратни кўяйлик. Утган ишга салавот, ҳозиргисини гапиринг.** Уйғун, Сўнгги пушаймон.

◆ **Салавати босди айн. салобати босди қ. салобат.**

**САЛАМАНДРА** [р<эрек] Сувда ва қуруқликда яшовчилар туркумидан, калтакесакка ўхшаш жонивор.

**САЛАНГЛАМОҚ** 1 Лапангламоқ, ликонгламоқ. **Бўйиндаги бир парча эски чарм саланглаб яғриниға уриларди. Эгаси иримчи бўлса керак, кўз тегмасин, деб тақиб қўйган-ку.** С. Анорбоев, Оқсой. **Автомобиль чироғи олдинда бораётган Фаррух тенели болани ёритди, унинг елкасида саланглаб турган болиқ ялтилларди.** Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Кўчма Бекор санқиб юрмоқ, сандироқламоқ, сакилламоқ. — **Жуда яхши ўйлабсан. Ёнигага Тўлбошини ҳам қўшиб бераман, қиладиган иши йўқ, қуруқ саланглаб юрибди,— деди Хайдарбой.** Н. Фозилов, Оқим.

**САЛАНГЛАТМОҚ** салангламоқ 1 фл. орт. н. Эшак, устида икки киши борлигини писанд қилмай, гоҳ йўрғалар, гоҳ йўртлар, Махсум узун оёқларини саланглатиб, қоматини тик тутиб борар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**САЛАТ** [р] Турли сабзавот (помидор, бодринг), тухум, гўшт ва ш. к. дан кесиб тайёрланадиган яхна тош.

**САЛАФ** [а] Бирор соҳада кимсадан олдин ўтган шахс. ўтмишдаги фикрдош, ҳаммаслаб, ҳамкасб. **Лутфий ва Атоий — Навоий салафларидир.**

**САЛБИЙ** [а] 1 Рад этувчи, қайтарувчи. **Салбий жавоб. Салбий натижа.**

2 Ёмон баҳо ёки фикр ифодаловчи, ижобий эмас. **Салбий баҳо. Салбий муносабат.**

3 Маълум талаблар нуқтан назаридан номақбул, ижобий эмас, ёмон, талабга зид. **Салбий образ. Салбий хатти-ҳаракат.** — **Шуни билингики, бошлаган ишингизнинг ижобий то-**

мони билан бирга салбий, жуда катта салбий томони ҳам бор. С. Анорбоев, Оксой.

**САЛБИЯ** [a] Барги медицинада ва парфюмерияда ишлатиладиган ўсимлик.

**САЛДОВ** Моторсиз ва эшкаксиз кемаларни тортиб юргизадиган арқон ва шундай арқон билан кема тортиши. [Жапак] Мўйтанкўлнинг ёввойи қамшизорларида кечалари билан салдов тортиб соҳилга келар .. эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**САЛДОВЧИ** Салдов тортувчи, салдов тортиб кема юргизувчи.

**САЛДОМ** диал. Салмоқ, оғирлик. Салдомим синдирап филнинг белини. «Нигор ва Замон».

**САЛДОМЛАМОҚ** диал. Салмоқламоқ, салмоқлаб кўрмоқ. Кўрсатар салдомлаб таёқ муштини. «Нигор ва Замон».

**САЛИБ I** [a] кт. Буг, крест. Салиб юриш I) тар. ўрта асрларда: черковчиларнинг даъвати билан Ғарбий Европада Шарққа, асосан, Паластинга қарши, «муқаддас» ерларни мусулмонлар асоратидан қутқариш шiori остида уюштирилган етгита харбий юришнинг ҳар бири; 2) кўчма умуман бирор нарсага қарши қаратилган шафқатсиз оммавий кураш. Ичкиликбозликка қарши салиб юриши эълон қилмоқ.

**САЛИБ II** [a] Ўтсимон, бир паллали кўп йиллик ўсимлик.

**САЛИБЧИ** тар. Салиб юришининг ташкилотчиси ёки қатнашчиси.

**САЛИМ** [a] I кт. Соғлом, соғ, саломат. Ақли салим I) соғлом ақл; 2) ақли расо, бамаъни одам.

2 Салим (эркаклар исми).

**САЛЛА I** [a] I Намозхон эркаклар бошга ўрайдиган, узун, оқ мато. Оқ салла. Шойи салла. — Эшик очилиб, уйга бақалоққина биров кириб келди. Бошида салла, зенида қоп-қора кийим. С. Анорбоев, Оксой.

2 кўчма с. т. Умуман чамбарак шаклидаги ҳар нарса. Бошига барра ўтлардан ва гуллардан катта «салла» ўраган .. йигит. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ Бақа салла ёки қурбақа салласи еб бўлмайдиган, баъзан захарли бир хил замбуруғ. Ичагингни (ёки ичак-човофингни) бошинга салла қилиб кўяман дўқ-пўписа ибораси. Фоҳишалигингни билардим, туҳматчилигингни билмасдим. Хай майли, агар эркак киши бўлганида, ичак-човофингни бошинга салла қилиб кўярдим. С. Ахмад, Ҳукм. Пайтава салла кест. хафта-фахм, пайтава қулоқ. [Холихон:] Пайтава саллалардан ўлиб бўлдим. Ухлаб ётибди денг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**САЛЛА II** [a] диал. Ўрама (овқат).

**САЛЛАГУЎЛ** [a+ф-т] Бир нав декоратив ўсимлик ва унинг йирик гули.

**САЛЛАДОР** [a+ф-т] I Бошига катта салла ўраган; катта саллали. Домлани

«салладор бойқуш» дедингиз. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Тепасида, учида саллага ўхшаш қисми бўлган. Салладор кўзи-қорин. — Салладор чўққилар орқасидан эндигина кўтарилган қуёш бутун водийни жимир-жимир нур селига кўйган эди. О. Ёқубов, Ота изидан.

**САЛЛА-КАЛЛА** кест. Бошига катта-катта салла ўраган аёнлар. Жойнинг тўри илгари салла-каллаларники эди.

**САЛЛА-КАЛЛАЛИ** кест. Бошига катта салла ўраган. А, меҳмонлари қиморбозга сира ўхшамайди-ку. Домла имомлардай салла-каллали одамлар. Ойбек, Кутлуг қон.

**САЛЛАЛИ** Бошига салла ўраган. Хўжа Афзал катта итак саллали бошини силкиб тасдиқлади. Ойбек, Навоий.

**САЛЛАЛИК** Салла қилса бўладиган; салабон. Саллалик шойи. Бир саллалик мато.

**САЛЛАМО** [a] эск. кт. Балли, офарин; тахсин ва офарин. Бўйин сунди, бурилди келди бизга мавж уриб дарё, Кўриб ҳар ким деди бирликдаги қувватга салламо. Ҳабибий.

**САЛЛА-ТУН** айн. салла-чопон. [Ҳидоят ўзига-ўзи:] Салла-тўнни ечиб нозиккина бўлиб ўтирай. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**САЛЛАЧА I** салла I с. кичр.

2 Бошга танғиб ўраладиган кичкина рўмол. Саллача ўрамоқ. || Саллача рўмол. — Битта хитойи жужун мурсаки кам кўриб, ёнига .. ўзининг келинлигидан ўралмай қолган қалмоқи саллачасини қўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**САЛЛА-ЧОПОН** Намозга ва умуман кишиликка кийиладиган устки кийим, салла ва чопон. Бой салла-чопонини хотинига берди, қозиқдан дўпписини олиб кийиб, кўрпачага ўтирди-да, Унсинга қаради: — Жилн, шундамисан? Ўтир, ўтир. Ойбек, Кутлуг қон.

**САЛЛОТ** [р солдат] I с. т. Солдат, аскар. Князь сув пулини уч баравар ошириб юборибди. Капсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шаҳардан саллот чақираман», деб босипти. А. Қаххор, Қўшчинон.

2 Мотқадан кичик, ўнликдан катта қарта. Фиштиннинг саллотни. Саллотни юрмоқ.

**САЛЛОХ** [a] I Кушхонада мол сўювчи мутахассис; қассоб. — Тикка олдида бориб, девкор саллохлардай шохидан ушлаб «бисмиллоху оллоху акбар», деб [хўқизини] бўғизга пичоқ тортиб юбордим, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўчма нафр. Қаллақесар, хунрез. Уруш саллохларин жиловагаали Тарих ҳукмин кечиктирмайди. С. Акбарий.

**САЛЛОХЛИК I** саллох I с. касб оти. Йўлдош ака Тошкентдаги кушхонада саллохлик қилганида, мен унга шогирд эдим. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

2 кўчма нафр. Қаллақесарлик, хунрезлик.

**САЛЛОХХОНА** [a+ф-т] айн. кушхона. — Қайси саллоххонанинг ахлати бу? — деди Қомилжон папирос тутунини бурнидан чиқариб. И. Раҳим, Ихлос.

**САЛМОҚ I** Оғирлик, вазн, залвор. Агапов иошишмайди .. Юкнинг салмоғига қараб, сўнгга гапиради. И. Раҳим, Ихлос. Салмоқ билан I) оғирлиги, залвори билан. Бурилишларда чинқириб ва йўлни оғир салмоқ билан зирқиратиб трамвай етиб келди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шошмасдан, салмоқлаб, дона-дона қилиб, таъсирли қилиб. Чўпон ота хайрон бўлиб қўлини орқасига қилганча тик қотиб турган эди, кейин салмоқ билан юра боилади. Ойдин, Фарҳодлар. Даврада ўтирган иш ёқмас, ҳушомадгўйларга маънодор тикилган, салмоқ билан киноя қилди: — Ҳорманг, азаматлар! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Жамиятда, кўпчилик ўртасида тутган ўрин, мавқе, нуфуз. Салмоққа яраша иш қилиш керак. Токи дўст-ошнолар десинлар балли. Ғ. Ғулом.

3 Нисбий вазн, ҳажм, қиймат, аҳамиятли ўрин. Оғир саноат маҳсулотининг салмоғи тез ўсиб бормоқда. — Она ёниб Саҳнада ўтирар жим. Ишларининг салмоғи Сўзланар бетиним. Зулфия.

◆ Сонн бор, салмоғи йўқ ҳисобда, санокда бор-у, лекин ҳеч қандай аҳамияти йўқ, бефойда.

**САЛМОҚДОР I** Тенг ҳажмли бошқа нарсаларга нисбатан оғир; вазмин, салмоқли, залворли. Салмоқдор болға. 2 Бўлиқ, тўлиқ, бўлали. Салмоқдор кўсақлар. Салмоқдор бошоқлар.

3 кўчма Арзирли, катта. Салмоқдор ҳисса қўймоқ.

4 кўчма Мавқенга, тутган ўрнига, хизматига кўра бошқалардан ажралиб турадиган; нуфузли, салмоқли. Салмоқдор олим. | Бошқаларга қараганда сермахсул, сермазмун. Бир-биридан афзал ва салмоқдор бўлган йилларимиз ичида бу йил алоҳида ўрин олди. Ҳ. Назир, Янги саҳифа.

5 кўчма Дона-дона, оғир, вазмин. — Асқар полвон аста, салмоқдор одим отар ва ўз-ўзи билан сўзлашгандек, ранжиб ҳорғин дерди. Ойбек, Кутлуг қон. | Бошқаларга ўтадиган, таъсирли. У вазмин ҳаракатлари, ақли ва салмоқдор сўзлари билан зални тўлдирган жалоатни идора қилар ва ўзи ҳам нафас сайн ўсаётганга ўхшар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**САЛМОҚИ I** Салмоқлаб, дона-дона қилиб гапирадиган. Салмоқи одам. 2 Салмоқлаб, дона-дона қилиб сайрайдиган (беда на ҳақида).

**САЛМОҚЛАМОҚ I** Қўлга олиб тебратиб оғирлигини чамаламоқ. [Нонни] салмоқлаб кўр, чўғи оғирроғидан ол. Ғ. Ғулом, Шум бола. Фойибдан келган хуржунни Ойша хола салмоқлаб кўрди.

У ниқлаб тўлдирилган, зилдай оғир эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Умуман чамалаб кўрмоқ, чамаламоқ. Иброҳимов ҳамманинг сўзига диққат билан қулоқ солди, ўртага ташланган фикрларни ва буларнинг тўғри ё нотўғри эканлигини исбот қилиши учун кўрсатилган далилларни ўйлаб, салмоқлаб кўрди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Вазминлик билан сўзламоқ, донадона қилиб гапирмоқ. — Бу кунгача Отабек саломат, — деди Зиё ака салмоқлаб. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У болалар яхши тушунсин учун, аста, салмоқлаб гапирди, айрим сўз ва жумлаларни такрорлайди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Шошмасдан, битта-битта қадам юрмоқ, секин бормоқ. Холмат беғам, одатдагидек салмоқлаб қадам ташлаб, айвонга ўтиб кетаверди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Танклар бир текисда, жуда ҳам шошмай, салмоқлаб борарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САЛМОҚЛАНМОҚ 1 салмоқламоқ** 1 фл. мажр. н.

2 Салмоқлаб, донадона қилиб гапирмоқ. Салмоқланиб каттаси деди оғзин тўлатиб: — Қўриқ ерлар очаман Чўл саҳрони гуллатиб. Қ. Муҳаммадий. Йўлчи кириши билан [Мирзакаримбой] вазиятни бузмасдан салмоқланиб деди: — Кел, қўзим, нима ишинг бор? Ойбек, Қутлуғ қон. | Шошмасдан битта-битта қадам ташлаб юрмоқ, секин юрмоқ; сузмоқ, кезмоқ. Қўнғироқларини жаранлатиб салмоқланган қатор туялар. Ойбек, Навоий. Осмон кўм-кўк. Онда-сонда салмоқланиб сузиб юрган оптоқ булутлар четига оғиб қолган қуёш нури тушиб турибди. С. Аҳмад, Уфқ.

**САЛМОҚЛИ** айн. салмоқдор. Салмоқли болга. Салмоқли кўсакар. Салмоқли мушт. — У қуйиб ёткан билқ-билқ юшмоқ тупроқда салмоқли оёқларини илдам ва йирик-йирик босар, қўзлаган жойига тезроқ етишга ошиқиб ўткинчилардан сўйра эди. Ойбек, Қутлуғ қон. || Элмурод салмоқли гапириб уқдирди: — Яна кино-театрлар, клублар, электростанциялар, янги уй-жойлар бўлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Аҳмаджон автоматини бўйнига осиб олган, салмоқли қадам ташлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**САЛМОҚСИЗ** 1 Салмоғи, оғирлиги унча катта бўлмаган, вазни кам; енгил. Салмоқсиз тош.

2 кўчма Мавқеи, тутган ўрни, хизмати жиҳатидан унча аҳамиятсиз. Салмоқсиз одам.

3 Бошқаларга ўтмайдиган, таъсири йўқ; таъсирсиз. Салмоқсиз гап.

**САЛОБАТ** [а] Улуғвор ташқи кўриниш; савлат, маҳобат. Салобатини кўз-кўз қилиб турган қўшқавот бинолар. — Зебонинг ўзи салобати, кўркамлиги, назокати, латофати ва табассуми билан хаёлни чулғаб келарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қорли чўққилари кўк билан ўпишган тоғлар салобат

билан кеккайиб турибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Умуман улуғворлик. Қурилиш салобати. — Ҳўзи полвон салобат билан ўрнидан туриб, мийғида илжайган ҳолда ариқ ёқасига борди ва қўлини сувга тикиб, ниманидир ахтара бошлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Салобати босди** кимса олдида ўзини йўқотиб қўйди. Ер чизиб ўтирган Раҳим ялт этиб Марҳаматга боқди-ю, вожатийнинг салобати босиб, тили гапга келмади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**САЛОБАТЛИ** 1 Улуғвор кўринишга эга бўлган; савлатли, маҳобатли. Валижон қорчадан келган, ўрта бўйли, салобатли, анча вазмин йешик. Ж. Абдуллахонов, Оқ йўл.

2 Оғир, вазмин; салмоқли, хайбатли. Уйда салобатли тинчлик чўкди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Москва радиоси дикторининг салобатли, босиқ овози эшитилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Коммунизм қураётган мамлакатимизнинг меҳнатдаги салобатли одими байрам намоийшининг гулдуросида ҳам эшитилиб турибди. «Қ. Ўзбекистон», 1962, 10 ноябрь.

**САЛОМ** [а, л. м. тинчлик] 1 Юзма-юз учрашганда ёки гойибона табриклаш сўзи ва шу сўз билан ёки оно-ишора орқали ифодаланган табрикнинг ўзи. Қизгин салом. Алангали салом. Салом демоқ (айтмоқ). Салом бермоқ. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом. Мақол. Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз. Мақол. — Учиб ўтган қалдирғоч, Ишқимга қилгин илож, Интизордир чилвир соч, Етказил саломимни. Ё. Мирза. Азизбек мудофеъларнинг саломларига жавоб қайтаришини ҳам унутиб, кўзини кесик бошларга тикди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Элмурод «салом» деб ҳарбийча кўришини учун қўлини чеккасигача олган эди, у қўл узатди, кўришдилар. Шухрат, Шинелли йиллар. Ғулумжон эгилиб салом берди, соғ-саломатлик сўради. М. Исмоний, Фарғона т. о. У [хотин] супага яқинлашган, Йўлчи ўрнидан туриб салом берди ва онасининг саломини топширди. Ойбек, Қутлуғ қон. У киргач, салом йўқ, алик йўқ, тондан тараша тушгандай: «нималар деб валди-раясан», — деб ўшқирди. «Муштум», 1959, № 9. Салом алайкум айн. салом 1. Салом хат[и] салом йўллаб, соғ-саломатли тилаб ёзилган хат, саломнома. Дуойи салом қ. дуо. Соясига салом бермоқ қ. соя.

2 тар. Амир, хон билан эрталабки учрашув ва ундаги салом-алик маросими. Эрталаб хоннинг харамдан чиқиш вақти яқинлашган, салом ва иштиқол учун хослардан саккиз-тўққиз йиғилган эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Салом оғаси амир, хон саройида расмий маросимларга бошчилик қилган ва расмийларнинг тўғри бажарилиши устидан назорат қилиб турган лавозимли шахс. Супачалар

устида удайчи, шиғовул, салом оғаси, тунқотар ва дарбон каби таширфот ходимлари ўтирардилар. Айний, Жаллодлар.

3 этн. Келинчакни тўйдан кейинги кун эрта билан қувё ота-оналарига таъзимга олиб чиқиш маросими ва умуман келинчакларнинг таъзими; келинсалом. Уйиндан кейин кечаги соқоли кампир келини «саломга» олиб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Роҳила:] Жон қизим, эрининг иззат қил! Қайнанани иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётибсанми? А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Раёно келинларча Анварза салом қилди ва жазб қилингандай, Анварнинг яқинига бориб тўхтади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 Салом (аркаklar исми).

**САЛОМАЛАЙҚУМ** [а] 1 (тўғриси салом алайкум) қ. салом 1.

2 бот. Экинлар орасида тез кўпаядиган бегона ўт.

**САЛОМ-АЛИК** [а] Бир-бирига салом бериб кўришиш, саломлашиш. Салом-алик қилмоқ. Салом-алик тугар-туғамас, Жуман писмиқ писилай бошлади: — Ҳа, мулла Ғулум, тиззаларингиз тупроқ, намозни ерда ўқидингизми? М. Исмоний, Фарғона т. о. Абдурасул ўзининг собиқ хўжайинига «душман» деб қарар ва кўча-кўйда бир-бирларини кўришганда салом-алик ўрнига секингина бош қимирлатиб қўярдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**САЛОМ-АЛИКЛАШМОҚ** Бир-бирига салом бериб кўришмоқ, бир-бири билан саломлашмоқ.

**САЛОМАТ** [а] 1 Тан-жони соғ, сяхат-саломатлиги, соғлиги яхши; эсон-соғ, эсон-омон. Саломат юрибсизларми? Саломат бўлмоқ. Саломат этиб келмоқ. — Бу кунгача Отабек саломат, — деди Зиё ака салмоқлаб. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қўй, қизим, жонинг саломат бўлсин. Бош омон бўлса, дўппи топилади. С. Зуннунова, Гулхан.

2 унд. с. вазифасида Миннатдорчилик нзҳор этнш учун ишлатилади. Гулдастани узатдим шу чоқ, «Раҳмат!» деди, «Саломат», дедим. Ё. Мирза.

3 Саломат (хотин-қизлар исми).

**САЛОМАТЛАНМОҚ** кам қўлл. айн. соғаймоқ.

**САЛОМАТЛИК** саломат 1 с. белги оти. Саломатлик тиламоқ. Саломатлигини сўрамоқ. Саломатлик — туман бойлик. Мақол. — Кумуш опананинг саломатлиги ҳаммадан ҳам менга керакдир! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Тўлаган ака:] Тўқай бузилади, қўриқ очилади, мана шунча қурилиш кетаётибди, саломатлик бўлса, шуда кўрасизлар. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**САЛОМЛАМОҚ** Салом бермоқ, табрик билан қарши олмақ. Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Чиқаётган қу-

ёшни саломлаб яшил дарахтларда қушлар сайрай бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.

**САЛОМЛАШИШМОҚ** саломлашмоқ *фл. бирг. н. Йиғит эшикдан бир неча одим нарида отининг бошини силаб турар эди. Улар қўзлари билан илқ, самимий саломлашишди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**САЛОМЛАШМОҚ** Бир-бирига салом бермоқ, бир-бирига салом бериб кўришмоқ. — *Муроджон ичкаридан навбатчи врач билан бирга чиқиб қолди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрадим,— деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр.*

**САЛОМНОМА** [а+ф+т] Салом йўлаб, снҳат-саломатлик тилаб ёзилган хат; салом хати. *Уринбой ака хатни очиб ўқий бошлади. Ойсодат она фарзанди йўллаган саломномани бутун вужудини қўлоқ қилиб эшитарди. Ш. Қурбонов, Хушхабарчи.*

**САЛОМХОНА** [а+ф+т] *тар.* Амирнинг, хоннинг саломга йиғилганларни ёки иш билан келганларни қабул қиладиган хонаси. *Саломхона номланган бу уйда амир расмий одамларни ва аризаларни қабул қиладиган вақтдагина ўтирарди.* Айний, Бухоро жаллодлари.

**САЛОН** [р<фр] 1 Меҳмонхона, зал (катта уйларда).

2 Кийим-кечак, пойабзал, санъат буюмлари ва ш. к. сотиладиган зал. *Универмагининг аёллар кўйлагин билан савдо қилувчи салони.*

3 Кема, автобус, троллейбус ва ш. к.да пассажирлар ўтирадиган хона.

**САЛОТ** [а] *эск. дин.* 1 Ибодат, намоз. *Салоти жаноза.*

2 Худо ва пайғамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано.

**САЛОҲ** [а] 1 *эск.* Тўғрилиқ, виждонлиқ. *Аҳли салоҳ тўғри одамлар, тўғри иш қилувчи, тўғри ўйловчи кишилар. Бу кун келасига мулла Султонқулнинг қўрғониди бир неча аҳли салоҳ йиғилишиб қолхоз тўғрисида кичкина маслаҳат қилишиб олишмоқчи эканлар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Салоҳ (*эркаклар исми*).

**САЛОҲИЯТ** [а] Қобилият, иқтидор. *Мен унга Турсуной, унинг юсак истеъдоди, салоҳияти, фожиали ўлими тўғрисида сўзлаб бердим,— деди Ҳалима. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**САЛОҲИЯТЛИ** Катта салоҳиятга, қобилиятга эга бўлган; иқтидорли. *Салоҳиятли қадрлар. — Ўз тилимиз нақадар тоза ранели ва салоҳиятли! Ойбек, Навоий.*

**САЛ-ПАЛ** *реш* Бир оз, озгина, андак. *Сал-пал ёмғир шивалаб ўтди. — Унинг оёғи ... Умрбод сал-пал оқсайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ёғоч полвонга энди сал-пал жир битиб қопти. С. Аҳмад, Икки ҳикоя.*

**САЛТ** 1 Аравага қўшилмаган, аривасиз (от ҳақида). *Салт от. Салт от минган киши. — Изма-из келаятиб «Йўлбарс» вовиллади. Ота орқасига*

*қайрилиб қараса, салт отлиққа кўзи тушиди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Юксиз, беюк, енгил-елпи. *Қайтишида чарчаган ориқ отларда устиларидоги одамларни кўтариши нари турсин, салт ҳолда қадам босиш учун ҳам куч топилмасди.* Айний, Қуллар.

3 *тех.* Нағрузкасиз, бекорга. *Двигательнинг салт юриши. — Бехосдан лента узалиб қолса, ғалтак салт айланади. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.*

**САЛТАНАТ** [а] 1 Хон, амир, подшо ҳукмронлиги ва шундай ҳукмрон қўл остидаги давлат. *Шоҳим дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишалигидан бўлак муддаом йўқдир.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 Салтанат (*хотин-қизлар исми*). **САЛТАНАТЛИ** Тўлиқ ҳукмронликка эга бўлган, тўла ҳукмрон. *Салтанатли шоҳ.*

**САЛТ-СУВОЙ** *с. т.* Ортиқча ташвиши, бола-чақаси йўқ; такасалтанг. *Салт-сувой йиғит.*

**САЛФЕТКА** [р<итал] Овқатдан сўнг қўлни, лабларни артадиган маҳсус кичкина сочиқ. *Қоғоз салфетка.*

**САЛЪТО** [р<итал] Муаллақ, умбалоқ ошиб сакраш. *Салъто қилгандай ҳавода умбалоқ ошиб, қум устига йиқилиб тушибман.* П. Қодиров, Қадрим.

**САЛЮТ** [р<фр] 1 Пионерларнинг қўлни бошдан юқори кўтариб саломлашуви. | Умуман саломлашув, табрик.

2 Тантанали воқеа ва маросимларда, байрам ёки бирор тарихий воқеани нишонлаш мақсадида бир неча милтиқдан, тўпдан бир йўла бир неча бор ўқ узиш. *Байрам салоти. — Йигирма уч сентябрь тонги, Қуёш олиб келди уйингга. Бир юз йигирма тўрт замбарак Салют берди шонли тўйингга. Т. Тўла.*

**САЛҚИН** 1 Оромбахш, мўътадил совуқ. *Оқшом салқини. Дарё салқини. || Салқин шабада. || Бугун ҳаво салқин. — Кетдик, афандилар! Ҳоким тўра кечки салқинда келадилар! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ё кечки салқин билан, ё эртага эрталаб шаҳар ҳовлига [беда] олиб тушаман.* Ойбек, Қутлуг қон. *Дара, қуёш нури тушмаганидан, баҳор ҳавосидай жуда салқин. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Бозоров извошга ўтириб далага жўнади. Даштага кечки салқин тушиб қолган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Серсоя дарахт остидаги ёки умман соя тувиб турган, теварак атрофга нисбатан совуқроқ жой. || *Салқин жой. Салқин боғ. — Беш туп катта жийда дарахти бу ерга ҳар вақт қалин соя ташлар, шидан ҳориб-толиб келганларга ўз салқини, шабадаси билан .. ором бағишлар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Тол эдик сув бўйиша Соя, салқин бўлин деб, Ғайрат қилган ботирлар Салқинда дам-олсин деб. «Кўшиқлар».*

**САЛҚИНЛАМОҚ** Салқин жойда дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. [*Мунаввар*] *баъзан салқинлагани Норин бўйига тушади. С. Анорбоев, Меҳр. Полвон ота яллов этагидан ёйилиб оқаятган сой лабиди салқинлаб ётибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Тоғамизнинг яна бошқа ерлари борми? Қаерда? — деди Йўлчи. — Бу анчаки салқинлаб кетиладиган жой.* Ойбек, Қутлуг қон.

**САЛҚИНЛАНМОҚ** Бир мунча салқин бўлмоқ, совимоқ. *Куз кириб, ҳаво анча салқинланганига қарамай, Тешабой ташқарисида яқтакчан, сарпойчан юрган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**САЛҚИНЛАТИЛМОҚ** салқинлатмоқ *фл. мажх. н. Уй салқинлатилди. Қун қизиган пайтларда моллар салқинлатилади.*

**САЛҚИНЛАТМОҚ** 1 салқинламоқ *фл. орт. н. Болаларни паркда салқинлатиб келмоқ.*

2 Бир мунча салқин қилмоқ, совутмоқ. *Деразадан кираётган шабада уйни бир оз салқинлатди. Қ. Маҳсумов, Муҳаббат қўшиғи. Назокат дўконхона эшигининг тагини салқинлатиб, кўрпача устида ёнбошлаб ётарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**САЛҚИНЛАШМОҚ** 1 Бир мунча салқин бўлиб қолмоқ; тобора совимоқ. *Ҳаво ҳам аввалгидан салқинлашгандай. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**САЛҚИНЛАШМОҚ** 2 салқинламоқ *фл. бирг. н.*

**САЛҚИНЛИК** 1 салқин *с. белги оти. Жойнинг салқинлиги. — Залнинг ўртасида мармардан ишланган ҳовузма, зилол сувлар секин оқади. Табиий иссиқ ҳавога бир оз оромбахш салқинлик беради.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Салқин жой, соя-салқин. *Салқинликда дам олмоқ.*

**САЛҚИНТОБ** салб. Сояпарвар, танбал. *Салқинтоб одам.*

**САЛҚИТ** *с. т.* Сарқит, қолдиқ овқат, қолдик.

**САМАН** [ф+т] Оч малла, сомон ранг (от туси ҳақида). *Кўрдингеми, қизим, ҳайвонлар ҳам ўз боласини кўмсайди. Бир кўрмаганига анови саман йўрға уйда қолган тойчоғини эслаб кишнаятти! М. Муҳамедов, Қахрамон вэздан. | Шу тусдаги от. Қудрат исиз миниб олин» деб, қўярда-қўймай саманнинг тивгинини Олимовега тутқазди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**САМАНДАР** [ф+т] 1 *миф.* Гўё ўт ичида туғиладиган ва ўтда яшайдиган афсонавий махлук. *Қилсам фароғат энди, даҳр ичра йўқ таомил, Куйдим ғаминида модар, охир бўлиб самандар.* Файзибиби.

2 зоол. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи баъзи калтакесақсимон думли жониворларнинг умумий номи.

3 Самандар (*эркаклар исми*).

**САМАНТҮРИҚ** Саманга, маллага мойил тўриқ (от туси ҳақида). | Шу тусдаги от. *Самантўриқни эгарламоқ.*



**САМАР** [а] кам қўлл. айн. самара. Харобу машина, ётур эрди дашту сахролар, Тамона боғ ила бўстан бўлиб, самар топилур. Ҳабибий.

**САМАРА** [а] Натиха, оқибат; мева. Ижодий меҳнат самараси. Меҳнат самарасини оширмоқ. — У [Элмурод] «трактор келибди» деган сўзда буюк Ленин идеясининг амалага ошаётганлигини, беш йилликларининг самарасини кўрди. П. Турсун, Ҳўкутовчи. Ҳалол меҳнат ўз самарасини берди. Бригада ҳар гектар ердан 47 центнердан оқ олтин кўтарди. Э. Раҳим, Ёркин чехра. Қўққисдан қилинган ҳужум ўз самарасини кўрсатди. Шухрат, Шинелли йиллар. Сулоналди хона қилган садоқатининг самарасини ҳам кўрди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**САМАРАДОР** [а+ф-т] Кутилганча ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул. Самарадор меҳнат.

**САМАРАДОРЛИК** самарадор с. белги оти. Иқтисодий самарадорлик. Меҳнат самарадорлигини оширмоқ.

**САМАРАЛИ** айн. самарадор. Самарали иш. Самарали меҳнат. || Самарали таъсир кўрсатмоқ. Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланмоқ.

**САМАРАЛИЛИК** самарали с. белги оти.

**САМАРАСИЗ** Самара бермайдиган, натихасиз, беҳуда. Самарасиз иш. Самарасиз ҳаракат.

**САМАРАСИЗЛИК** самарасиз с. белги оти.

**САМАРИЙ** [р<лат] Нодир химиявий элемент, кумушсимон оқ металл.

**САМБИТ** Бир турли тол ва унинг новдаси; самбиттол.

◆ Самбит қомат тик қоматли, қадди-қомати келишган. Самбит қомат. Розиквой рухсат сўра кабинет эшигини очди-ю, бедана юриши қилиб қўл чўзди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**САМБИТГУЛ** Самбитсимон доим яшил декоратив ўсимлик ва унинг пуштиранг ёки оқ захарли гули.

**САМБИТТОЛ** айн. самбит. Қўли бўи маҳалларда айвон устунига боғлаб қуришиб қўйган адил самбиттол новдаларидан ўқ ясарди. М. Осим, Ҳўрор.

**САМБО** [р] спорт. Рақибдан ўзини химоя қилиш усулларига бой кураш тури. Самбо билан шуғулланмоқ.

**САМИМИЙ** [а] Сидқидиллик билан, чин қалбдан қилинган, айтилган; юракдан, дилдан чиққан; самимият, сидқидиллик ифодаловчи. Самимий салом. Самимий дўстлик. Самимий илтифот. Самимий муомала. — Менинг ушбу сўзларим энг самимий, юракдан. З. Дибр. Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнғайсизланган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. || Улар билан самимий хайрлашган, яқиндагина ўтказилган ниҳолларни кўздан кечирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. 4 Самимият, сидқидиллик билан иш-тутувчи, муомала қилувчи,

соф кўнгил, покдил. Самимий одам. | Тоza, пок. Унсининг юраги, акасининг юраги каби, Гулнорга нисбатан тоза ҳам самимий. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**САМИМИЙЛАШМОҚ** Тобора самимий бўлмоқ. Социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз тобора мустаҳкамланмоқда ва самимийлашмоқда.

**САМИМИЙЛИК** самимий с. белги оти. Муомаланинг самимийлиги. — Обид Йўлдошевчи бу табрикнинг қанчалик самимийлигини билмоқчи бўлгандай, Муҳаммаджонга синовчан назар билан тикилиб раҳмат айтди. П. Қодиров, Уч илди. Йўқ, ача, ҳавотир бўлманг, деб унинг сўзини кесди Холмурод ва самимийлик билан такрорлади. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**САМИМИЯТ** [а] Самимийлик, сидқидиллик. Одамнинг асл мақсад ва интилишини, самимиятини, унинг ўтмиши билан ҳозирги ҳаётини чоғштириб белгилаш мумкин. П. Турсун, Ҳўкутовчи. Сирожнинг гап ва ҳаракатларидан самимият, содалик ёғилиб турарди. Ф. Мусаёнов, Ҳўри. Қўтидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат қуюқ-суюқлари билан тўла-тўқис давом этар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**САМИМИЯТСИЗ** Самимияти йўқ, самимиятни билмайдиган; риёкор, мунофиқ. Самимиятсиз одам.

**САМИМИЯТСИЗЛИК** самимиятсиз с. белги оти.

2 Юзаки, сохта самимият, риёкорлик. Бу ерда самимиятсизлик ва мунофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди. П. Турсун, Ҳўкутовчи.

**САМО** [а] Осмон, фалак. Тиниқ мовий само. — [Навоий:] Қулоқ солдингми? [Гули:] Ёлғиз мен эмас, гул, само, ер, коинот, афтода бўлбул — бутун жонли ва жонсиз тинглади жим. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Ҳар вақтдагидан кўркароқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**САМОВАР** [р] 1 Чой қайнатиш учун белгиланган, ўтхонали рўзгор буюми. Рух самовар. Самовар қайнатмоқ. — Жувон каттакон самовардан тунука чойнакка чой дамлаб келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Эгамберди, сен дарров самоварингга ўт сол! А. Қодирий, Обид кетмон.

2 айн. чойхона. Мирзо кечқурун самоварга чиқди, иккита чой ичди. А. Қаҳҳор, Мирзо. Соли совуқ уни самоварнинг бир четига тортиб қулоғига бир нималар шивирлади. М. Исmoilий, Фарғона т. о. Самовар қўймоқ 1) самоварга ўт солиб, чой қайнатмоқ. Самовар қўйдинеми? Бу ердаги ғалати ишлар билан чой қўёлмадим! Ҳамза, Тухматчилар жазоси; 2) самоварчилик қилмоқ. Умурзоқ ота: — У ерда ош-

нам бор, Ғани, гузарда самовар қўлади Ҳ. Ғулом, Машғал.

**САМОВАРХОНА** [р+ф-т] эск. айн. чойхона. Саҳннинг шимол томонига бориб, унга туташиб турган самовархона томига чиқиб ўтирдим. Айний, Эсдаликлар.

**САМОВАРЧИ** айн. чойхоначи. Самоварчи дам ўтмай улар ёнига чойнак ва пиёла келтириб қўйди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**САМОВАРЧИЛИК** самоварчи с. касб оти. Бир-икки йил ямоқчилик, ундан кейин Абдусамод қорини самоварчилик самоварчилик қилдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қурбон ота қўлидан самоварчиликдан бошқа иш ҳам келаетганига, Урмонжон айтганидай, янги қишлоқни бунёда келтиришда қатнашаётганига бениҳоя ҳурсанд бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**САМОВИЙ** [а] кт. 1 Осмонга, самога оид; коинотга оид; космик. Самовий ҳодисалар. Самовий кемалар.

2 поэт. Мовий, осмойий ранг, кўм-кўк.

**САМОВОТ** [а] Осмон, фалак; коинот. Букун самовотда чиндан ой бўлиб, Парвоз этмакдодир ой юзли жонон. Э. Воҳидов. — Бизга қолса, — деди Навоий, — салтанат тожини қўйи янглиғ самовот доирасида билинг. Ойбек, Навоий.

**САМОҒОН** [р] Қўлда қилинган хонаки ароқ.

**САМОҒОНЧИ** Қўлда хонаки ароқ тайёрловчи одам.

**САМОДЕРЖАВИЕ** [р] Монархнинг, подшонинг чекланмаган ҳокимияти ва шундай ҳокимият асосига қурилган давлат тузуми, мустабид ҳокимият, чор ҳокимияти. Россия — чекланмаган самодержавие монархиясидир. Подито ёлғиз ўзи қонунлар чиқаради, чиновникларни бир ўзи тайинлайди ва улар устидан бир ўзи назорат қилади. В. И. Ленин, Бизнинг программамиз.

**САМОЛЁТ** [р] Моторли, ҳаводан оғир учиб аппарати. Пассажирлар самолёти. Ҳарбий самолёт. Қирувчи самолёт. Бомбардимончи самолёт.

**САМОЛЁТСОЗЛИК** Самолётлар ва самолёт қисмлари ишлаб чиқариш ва саноятнинг самолёт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоғи. Самолётсозлик заводи.

**САМОСВАЛ** [р] Устидаги юкни ўзи ағдарадиган транспорт воситаси (автомобиль, вагон ва ш. к.).

**САМУМ** [а] Кумли чўл-сахроларда, кум уюрмаси ҳосил қилиб кўтариладиган қуруқ шамол. Каттиқ шамол кўтариладиганда қизиқ турган кум қора булут сингари ҳавога кўтарилади ва кучли кум довули-самум бошланади. «География».

**САМУР** [а] Сибирь сувсари. | Шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. Самур пўстин.

**САН** с. т. Сен. — Сан ўғламсан, — йўлчида меҳр билан тикилди чол. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**САНА** [а] 1 эск. йил ҳисоби; йил. *Санаи милодий. Санаи ҳижрий. Санаи шамсия. Санаи ҳамария.*

2 Бирор воқеа содир бўлган йил, ой, кун ва шу ҳақдаги ёзув. *Тарихий сана. Санасини аниқламоқ. Санасини ўқи-моқ. — Мен, абжад ҳисобини билганим учун, у шеърдаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим. Ҳақиқатан ундан ўша йилнинг санаси бўлган ҳижрий 1303 чиқарди. Айний, Эсдаликлар.*

3 с. т. Санок, сон; қатор, ҳисоб. *Санага қўшилмоқ. — Ҳакимбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтди. «Алпомиш».*

**САНАД** [а] эск. кт. айн. ҳужжат. *Сарғайсан қўлэмалар, жимжима хатлар, Мулла боболаримиз чизган санадлар. Варақладим бирма-бир ўтмишини эслаб, Асрлар қадамида бир маъно излаб. Шайхзода.*

**САНАЛМОҚ** санамоқ *фл. мажх. н. Кеча якианба яна пул саналди. Ҳисоб мўлжалга яқин борди шекилли, бобо соқолини ямлаганча маъноли қўлиб қўйди. Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар. Шу қураш, шу қуришида сендек оналар Бир куч, бир жон-тан бўлиб Албат саналар. Ғайратий.*

◆ **Ковурғаси саналиб қолибди қ. ковурға 1.**

**САНАМ** [а] 1 Тошдан, ёғочдан ёки металдан инсон қиёфасида (кўпинча гўзал аёл образида) ясалган ва зийнатланган бут. *Тўрдаги деворда оқподишонинг йширик портрети, унга уй эгаси санамага сажда қилгандай қарарди. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

2 *кўчма* Гўзал, барно аёл, нозанин. *Бек ўтказиб ширин дамларни, Кучиб, ўйнаб соз санамларни. Ғайратий. || Сиздай қизлар бўлди бунда улфатим, Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни. «Муродхон».*

**САНАМА** Шаҳмат тартибида оралатиб гул тикиш усули, шундай усулда тикилган гул ва шундай гулли нарса. *Махдум йўлакдан «заифа» шарпасини олиб, танчада санама тикиб ўтирувчи Раънога: — Йўлакда хотин киши кўринади, хабар олчи, болам,— деди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Эмлик-лаб қозиқ лунги, юзлаб санама рўмоллар сандиқларни тўлдирган бўлса ҳам, бу нарса Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**САНАМОҚ** 1 Доналаб ёки бирор бошқа бирликларда ҳисобламоқ, ҳисоблаб сонини, миқдорини аниқламоқ. *Ёнғоқларни санамоқ. Пул санамоқ. Жуфтлаб санамоқ. Ердан топсанг ҳам, санаб ол. Мақол. — Асқар полвон бармоқлари билан ойлари санаб, мўлжалчи шу кунларда сизири туғиши кераклигини гапирди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

2 Бирма-бир айтиб ўтмоқ, зикр қилмоқ. *Қаҳрамонимизнинг ҳозирги «мажбурияти» сабабларини муҳтарам ўқувчилар яхши ҳис этсалар ҳам, яна бир*

*уларни санаб кўрсатамиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 *кўчма* Ҳисобламоқ, ... деб билмоқ. *Тўйбека опанени сен уеч нарсага санамайсан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қўлдош ҳарна ўзини Қаримовдан оғиз санаб, гапни бошқа томонга буриб юборди. Ҳ. Шамс, Душман.*

◆ **Бармоқ билан санарли** унчалик кўп эмас, жуда оз. *Сизга ўхшаш моҳир қурувчилар бармоқ билан санарли, бетончилар бўлса битта ҳам йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Одини (ёки қадамини) санаб босмоқ қ. одим. Тоқи (ёки юлдуз) санаб ётмоқ қ. тоқи. Чучварани хом санамоқ қ. чучвара.*

**САНАТМОҚ** санамоқ *фл. орт. н. Битталаб санатмоқ. — У [Қўлдош бобо] ҳар ҳафта охири, якианба неварога пул санатади. Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар.*

**САНАТОРИЙ** [р<лат.] Беморлар ётиб даволанадиган махсус профилактик даволаш муассасаси. *Болалар санаторийси. Санаторийда даволанмоқ.*

**САНАТТИРМОҚ** санатмоқ *фл. орт. н. Пулни қайта санаттирмоқ.*

**САНАШМОҚ** санамоқ *фл. бирг. н.*

**САНГ** [ф-т] *диал. Тош. От кўп бўлса, шунга лойиқ чанг қўзғалур, Кучли қўшин тоққа юрса, санг қўзғалур. К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.*

**САНГБЎРОН** *диал. Тошбўрон.— Қимда-ким амиралмўъминнинг .. фармони олийларидан бош тортса .. сангбўрон этилур, зиндонга ташланур,— деди Бузрукўжа сўзида йиғилганларга. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

**САНГДИЛ** [ф-т] *диал. Бераҳм. Сангдил одам. || Қимга дод айлай бу бедодингни ман, эй сангдил, Ошино бўлдим десам, кўнглинг сени бегонада. Муқимий.*

**САНГЗОР** [ф-т] *диал. Тошлоқ жой, тошлоқ, тошзор. Сангзор тоғлари, ёндама соҳилларини олти йил кезиб, меҳнаткашларнинг ёстиқларини қуриган .. босмачиларнинг халқдан талаб топган ғаниматларини Маҳмуд енг учуда пул қилар эди. Н. Сафаров, Ниқоб очилди.*

**САНГОБ** [ф-т] Терн ошлаш учун тайёрланган оҳак ёки қум эритмаси.

◆ **Теринг сангобда чиригур қарғ.** қуриб кетгур, ер юткур, ўлгур.— *Теринг сангобда чиригур сизир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб бир қочиб берди,— деди Шум бола. Ғ. Ғулум, Шум бола.*

**САНГСАР** [ф-т] Сувсарнинг бир тури. | Шу ҳайвоннинг қарматли териси, мўйнаси.

**САНГСОР** [ф-т] *диал. Тошбўрон. Улар жисзахлак қози, уламолар аҳоли рўйхатини олиш учун ўн шкки кишидан иборат ҳисобчиларни «кофир кишида» деб, сангсор қилиб ўлдирдилар. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.*

**САНГТАРОШ** [ф-т] Тош йўнувчи уста ёки ишчи; тоштарош. *Бу бинони*

[Ленин музейини] қўли гул усталар, мўъжизакор сангтарошлар яратишиди. К. Яшин, Йўлчи юлдуз.

**САНГТАРОШЛИК** сангтарош с. касб оти. *Сангтарошликни ўрганмоқ. Сангтарошлик қилмоқ.*

**САНДАЛ** I Хонанинг чеккароқ ерига қурилган чуқурча, унга қўйиладиган пастак курси ва устига ёпиладиган кўрпа, маҳаллий иситиш қурилмаси; танча (қиш соғуғида сандал оёқ-кўл иситиш учун хизмат қилади, айни пайтда ундан емак столи сифатида фойдаланилади). *Сандалга кўмир солимоқ. Сандалда исинмоқ. || Сандал курси. Сандал кўрпа. — Бу уйдagi сандал атрофига шоҳи ва атлас кўрпачалар тўшилан, катта-катта парку ёстиқлар қўйилган. А. Қаххор, Қўшчинор. Ҳасанали .. қўлтиғидаги заррин чопонни олиб сандал устига қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**САНДАЛ II** [грек] Таг чарми юпқа, пошнаси энгил оёқ кийими; сандалет, шиппак.

**САНДАЛЕТ** [р сандалетъ] айн. сандал II.

**САНДИРАМОҚ** I айн. сандироқламоқ.

**САНДИРАМОҚ II** *диал. Довдирамоқ, эсанкирамоқ. Ишрат девонани. Ҳасанхон полвон деб сандираб ўтирибсан. «Равшан».*

**САНДИРАШМОҚ** I сандирамоқ I *фл. бирг. н.*

**САНДИРАШМОҚ II** сандирамоқ II *фл. бирг. н.*

**САНДИРОҚЛАМОҚ** I Бекор санқиб, дайдиб юрмоқ, тентирамоқ, санқимоқ. *У дайди қайда сандироқлаган экан-а. Ойбек, Нур қидириб. Салим-жон .. пиёнбозор орасидаги тор кўчаларда сандироқлаб кечгача юрди. Ҳ. Ғулум, Машғал.*

2 Дарбадар юрмоқ, кезмоқ. *Эмчилар маслаҳат қилишиб дейишиди: «Мунча одам беҳуда биёбон чўлларда сандироқлаб буйтиб юрмас». «Зулфизар билан Авазхон».*

**САНДИРОҚЛАТМОҚ** сандироқламоқ *фл. орт. н.*

**САНДИРОҚЛАШМОҚ** сандироқламоқ *фл. бирг. н.*

**САНДИҚ** [а] Асосан бисот сақлаш учун хизмат қиладиган, очилиб ёпиладиган қопқоқли ва қулф-калитли, катта яшикка ўхшаш уй-рўзғор буюми. *Биласан, хотин аҳли молга ўч бўлди .. сандиқдаги молни ер-кўкка шонмайди. Ойбек, Қутлуг қон. Пўлат сандиқ куймайдиган, ёнмайдиган металл сандиқ; сейф.*

**САНДИҚЗАДА** [а+ф-т] Сандиқда ётавериб асли сифатини йўқотган. *Сандиқзада мол.*

**САНДИҚСОЗ** [а+ф-т] Сандиқ ясаб сотувчи уста; сандиқчи. *Бу йигит сандиқсоздан чиққан ёш шоир Усмохўжа Зорий эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

**САНДИҚЧА** Қичкина сандиқ. **САНДИҚЧИ** айн. сандиқсоз. *Қумуш*



яна тинчий омади: — Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам дахли бор! — деди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**САНДОН** [ф-т] Темирчи ва заргарларда ишлов бериладиган нарсани қўйиб болгалайдиган темир қузда. Қиздирилган ва сандон устида парчаланган темирдан чиққан учқунлар ҳамма ёққа сачраб кўзни оларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Ҳаяжондан Йўлчининг юраги, сандонга тушган оғир болгадай, .. «гурс-гурс» урмоқда эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**САНЖОБ** Қаттиқ сиқув, исканжа, тазйик. Санжобга олмақ.

**САНЖОҚ** 1 эск. Байроқ, туғ.  
2 эск. Товус ёки каптарнинг мисдан ишланган тасвири.

3 тар. Буржуа революциясидан илгариги Туркияда маъмурий район, область.

**САНИТАР** [р] Даволаш муассасаларида, ҳарбий қисмларда хизмат қилувчи кичик медицина ходими. Блинджлар ярадорларга тўла. Афтидан санитарлар шошиб қолганга ўхшайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Олга юргингиз сари орқада ярадорлар чўзилиб қолади. Ана шунда бир санитар қизнинг мардлигига қойил қолдим. Ойдин, Сухбати жонон.

**САНИТАРИЯ** [р<лат] Соғлиқни ва тозаликни сақлашга, аҳолининг турмуш шароитларини соғломлаштиришга, яхшилашга қаратилган ва гигиенанинг илмий талабларига асосланган тадбирлар системаси. Ишлаб чиқариш санитарияси. — У [Мурзин] тўғри санитария қисмига ётқизилган эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САНИТАРКА** [р] Санитар аёл. Чуқурда ётибман, ёнимда санитарка қиз. Ойбек, О. в. шабадалар.

**САНҚИЯ** [р<лат] юр. 1 Хужжат, қарор ва ш. к.нинг олий орган томонидан тасдиқланиши, тасдиқлаб қонун ҳукмига киритилиши; тасдиқ.

2 Қонунни ёки шартномани бузган томонга нисбатан қўриладиган жазо чораси, жарима. | Халқаро муносабатларда ўзаро битимни бузган томонга нисбатан жазо чораси. Иқтисодий санкция. Ҳарбий санкция.

**САН-МАН** с. т. Сен-мен. Сан-манга бормоқ койишмоқ, уришиб қолишмоқ.

**САННАМОҚ** 1 этн. Дуо ўқимоқ (инс-жинсларни қайтариш, даволаш учун).

2 этн. Айтиб йнгламоқ. Кампир бетини юлиб саннагани тушиб кетди.

3 кўча Кўп гапирмоқ, вайсамоқ. Шоматдиевнинг қилғи маълум: жаҳли чиқиб бир саннаб кетса, унинг чакагини босиб асов туяни чўктиришдек машаққат. А. Муҳиддин, Ҳада.

**САННАҒЛАМОҚ** айн. саннамоқ. Қарасам тепамда ўша Зумрад парихон саннаглаб, алақандай тўтуруқсиз нарсаларни ўқимоқда. Ғ. Ғулмон, Шум бола.

**САНО** 1 [а] дин. Худонинг, пайғамбарларнинг шаънига айтилган мақтов

сўзлар; мадхия, мадх, ҳамд. Отане борми, энанг борми элингда? Худонинг саноси борми тилингда? «Равшан». | Умуман мақтов, мадхия. Қим-хобни қийиб олач домла Ниёз «саховатда Хотамтойдан, адолатда одил» дан ортиқроқ ул жанобнинг ҳақиқа яна янги дуо ва санолар тўқиди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Тонг ёришгани, дунёга нур тўлагани учун қувонаётгандек, осмонда тўғрайлар ҳамду сано ўқийдилар, кундузни олқишлайдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САНО** II [а]: санойи макка асосан тропикада ва субтропикада ўсадиган дуккакдилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт, бута ва дарахларнинг умумий номи ва уларнинг сурғи дори сифатида қўлланиладиган барги.

**САНОАТ** [а] Халқ хўжалигининг хомашедан тайёр махсулот ишлаб чиқариш, ер ости бойликларини қазиб олиш билан шугулланувчи тармоғи ва унга мансуб корхоналар, завод-фабрикалар мажмуи; индустрия. Социалистик саноят. Қон саноти. Озиқ-овқат саноти. Тўқимачилик саноти. Саноят кооперацияси. Саноят маҳсулоти. Оғир саноят айн. оғир индустрия қ. индустрия. Енгил саноят айн. енгил индустрия қ. индустрия.

**САНОАТЛАШМОҚ** Саноти ривожланиб индустрия мамлакатига, ўлкасига айланишмоқ; индустриалашмоқ. Ўзбекистон тобора саноятлашган республикага айланиб бормоқда.

**САНОАТЛАШТИРИЛМОҚ** саноятлаштирмоқ фл. мажх. н. Ватанимиз қисқа давр ичида юксак саноятлаштирилган мамлакатга айланди.

**САНОАТЛАШТИРМОҚ** саноятлашмоқ фл. орт. н. Мамлакатни саноятлаштирмоқ.

**САНОАТЧИ** Саноят корхоналарига эга бўлган шахс. Америка саноятчилари.

**САНОБАР** [а] 1 эск. кт. айн. қарагай.

2 эск. поэт. Қадди-қомати келишган, хушқомат, сарвиқомат (аёл ҳақида).

3 Санобар (хотин-қизлар исми).

**САНОЙИ** [а]: санойи нафиса бадий санъат.

**САНОЧ** Умуман теридан қилинган идиш, тери тўрва. У [бой] чеккароқдаги кенг бир қаравотда бир ёнида бир саноч танга билан қора пулни қўйган, иккинчи ёнида чўт, олдида дафтар, қалам, қаламдон ва довот билан ўтирган эди. Айний, Қуллар. | Суяқликлар сақлаш учун махсус равишда теридан қилинган идиш, меш. У [Лола] бир саноч қимиз билан катта заранг қосада яхна ёйиш, нон олиб чиқди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

**САНОҚ** 1 Битталаб, доналаб ёки бирор бошқа бирлигидан санап, ҳисоблаш ва ундан олинган натижа. Санокдан адашмоқ. — Али [ўлжларни] санаб келар эди, гузарга етганда санок етимидан ортди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ҳисоб-китоб қилиш, қайд этиш; ҳисоб-китоб, ҳисоб. Қолхоз санок билан тирик. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ **Саноғи йўқ** санаб тамомлаб бўлмайдди, жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. Пул десанг саноғи йўқ. Санаб тамом қилиб бўлмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Санок сон грам. предметларнинг сонини, саноғини билдирувчи «қанча?», «неча?» саволларига жавоб берувчи сон категорияси.

**САНОҚЛИ** 1 Санаб қўйилган, саноғи маълум, ҳисобли. Санокли пул.

2 кўча Бир нечагина, жуда оз. Май байрамига санокли кунлар қолган эди. С. Қароматов, Бир томчи қон.

**САНОҚСИЗ** 1 Саналмаган, саноғи номаълум, беҳисоб. [Буви:] Боқаман, қўзи, бузоқ, Мехнат билан вақтим чоғ. Мен ўстирдим уларни Саноксиз қўзиларни. Қ. Муҳаммадий.

2 кўча Беҳисоб кўп, сон-саноғи йўқ. Ун беш кунлик тўлин ой ва саноксиз юддулар чанқоқ ғўзалар тағида жимиб оқаётган сувга тикилган Адолатни томоҳа қилиб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**САНСАЛОР**: сансалор қилмоқ айн. сансалорликка солмоқ қ. сансалорлик.

**САНСАЛОРЛИК** Ишни бир-бирига ошириш, бир-бирига солиб ишни чўзиш, орқага судраш. Сансалорлик бошландими, иш юришмагани шу. Сансалорликка солмоқ ишни бир-бирига солмоқ, бир-бирига оширмоқ, бир-бирига солиб ишни чўзмоқ, судрамоқ. Олтинсойликлар ташаббусини қувватлагани учун эмас, балки узоқ ойлар сансалорликка солгани учун тик туриб жавоб бериши яқинлашганини сезиб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Сансалорликка тушмоқ бир-бирига солиш, қўлдан-қўлга ўтиш натижасида чўзилмоқ, судралмоқ. Қурилиш .. «бор отанга, бор онанга» тарида сансалорликка тушиб қолган. «Муштум», 1952, № 7.

**САНСАЛОРЧИ** Ишни сансалор қилувчи, сансалорликка солувчи.

**САНСАЛОРЧИЛИК** Ишни сансалор қилиш, сансалорликка солиш, ишни бир-бирига солиб чўзиш, судраш.— Менимча ҳамма айб ўзимизда, биз сансалорчиликка берилиб кетиб, пахтачилик агротехикасининг прогрессив усулидан ўз вақтида фойдалана олмадик,— деди Собо мажлисадагиларга. А. Муҳиддин, Ҳада.

**САНСИРАМОҚ** диал. Сенсирамоқ, бировга «сан»лаб гапирмоқ. Бир-бирини сансирамоқ.

**САНСИРАШМОҚ** сансирамоқ фл. бирг. н.

**САНСКРИТ** [санскр] Қадимий ва ўрта аср ҳинд диний, фалсафий, бадий адабиётининг тили (ҳинд-европа тилларига мансуб).

**САНТАЛ** [р<лат] Тропик мамлакатларда ўсадиган доимо яшил дарахт ва унинг эфир мойларга бой хушбўй ёғочи.

**САНТИГРАММ** [р<фр] Граммнинг

юздан бир улушига тенг огирлик ўлчови.

**САНТИМЕТР** [*p<фр*] Метрнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови.

**САНЧИЛМОҚ** 1 санчмоқ 1, 2, 4 фл. ўзл. ва мажх. н. Уқ нишонга бориб санчилди. Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил. Мақол. — Куз совуғи эрталабдан баданга нинадай санчилади. А. Хайнметов, Пўлат бармоқлар. Бойнинг ҳар бир сўзи Раҳим домлага найзадек санчилди. Ҳ. Гулом, Машғал.

2 кўча Тик бориб туташиб кетгандек туюлмоқ, қадалмоқ, тақалмоқ. Борисов бизиз бўлиб уфққа санчилиб кетган йўлга қаради. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САНЧИТМОҚ** санчмоқ фл. орт. н. Қаримнинг кейинги гапи Ҳалил билан Салимининг кўнглига муздек тегиб, санчитиб юборди. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар.

**САНЧИШМОҚ** санчмоқ 1, 2, 4 фл. бирг. н.

**САНЧИҚ** Учи ўткир нарса санчилаётгандек туйиладиган ўқтин-ўқтин огриқ. Бикинимга санчиқ турди. — [Дилбархон] Ҳусанжон билан Ҳасанжонга ҳомиладор бўлди-ю, қайқандир мия санчиғи пайдо бўлди. Х. Тўхтабоев, Садоқат. — Кўкрагимнинг санчиғи сира қолмайди, — живов берди она оҳиста товуш билан. Ойбек, Улуғ йўл.

◆ Санчиқ ўт айиқтовонлилар оиласига мансуб, сариқ гулли кўп йиллик ўт.

**САНЧМОҚ** 1 Учи ўткир нарсани куч билан босиб ёки зарб билан уриб киргизмоқ; суқмоқ, тикмоқ. Бир босмачи Ботиралининг сонига пичоқ санчди. Ҳ. Гулом, Машғал. Бектемир душминни ўқ билан урди, найза билан санчди, гранаталар билан парчалади. Ойбек, Кўёш қораймас. Тўтиқиз дўпни хомини тиззасига қўйиб, секин игна санчди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қадаммоқ, тақаммоқ. Гул деб санчиб эдим сени бошимга. Ҳайрон қолдим ҳозир қилган ишинга. «Ширин билан Шакар». Анвар югуриб келиб, ёрликни олиб йўди ва уни салласига санчиб орқаси билан юриб илгариги йўрига бориб тўхтади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 кўча Уткир нарса санчилгандай ўқтин-ўқтин огримоқ. Унинг кўкраги санчар, чап бикини қаттиқ огрир .. эди. Ҳ. Гулом, Машғал.

4 кўча Аччиқ гап билан узиб олмақ, чақмоқ, Уста Азимжон мароми билан игна санча бошлади: — Ёшлигимиз бошқа эди, бир-биримизни сансирашар эдик. С. Абдулла, Соялар.

**САНЧКИ** эск. айн. вилка. Санчқи билан оёқат емоқ.

**САНЪАТ** [a] 1 Бадний ижодиёт ва унинг ҳар бир айрим соҳаси. Антик дунё санъати. Тасвирий санъат. Наққошлик санъати. Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси. — Искандаро ҳа-

вас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса нозик санъат буюмларига эшик ва деразаларга назар ташлаб кўярди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Амалий-табқиқий соҳаларнинг ўзига хос иш услуби, системаси. Ҳарбий санъат. — Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустаҳкам қалъага ўхшарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кўча Юксак маҳорат, усталик. Ўйинчининг санъати дафчиникидан, дафчиники ўйинчиникидан ошар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир минутнинг ичида олам-олам иш унар. Фурсатдан фойдаланмоқ ўзи бир санъат, ҳунар. Қ. Муҳаммадий. Сўз санъати бадий нутқ санъати, нотиклик.

4 Санъат (хотин-қизлар ва эркалар исми).

**САНЪАТКОР** [a+ф-т] 1 Санъат сохиби, санъатнинг бирор соҳасини эгаллаган ва шу иш билан шуғулланувчи киши; санъатчи. Муҳиддин қори Ёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Юксак маҳоратга эга бўлган; ижодкор. Санъаткор халқ. — Қулди қуёш ўпган баланд тоғ каби, Тоза чаман каби, сулув боғ каби, Бағрида бинолар кўркам ҳибон, Саройлар яратар санъаткор инсон. Х. Расул.

**САНЪАТКОРЛИК** 1 санъаткор 1 с. касб оти. Санъаткорлик унга ота касб.

2 санъаткор 2 с. белги оти. Ишни санъаткорлик билан бажармоқ.

**САНЪАТКОРОНА** [a+ф-т] рш Юксак санъат билан, маҳорат кўрсатиб; мохирона. Ролни санъаткорона ижро этмоқ. — Санъаткорона ўйилган нақшлар хонага алоҳида кўрк бериб турар, ганч сувоқ ойнадай ялтилар эди. С. Қароматов, Бир томчи қон.

**САНЪАТЧИ** айн. санъаткор 1. Минбарда фақат санъатчилар қолди. Созлар гилофларидан чиқарилди. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

**САНЪАТШУНОС** [a+ф-т] Санъатшунослик олим, мутахассиси. Санъатшунос олим.

**САНЪАТШУНОСЛИК** Санъат ва унинг турлари ҳақидаги фан. Совет санъатшунослиги. Санъатшунослик тадқиқотлари.

**САНҚИ** Бекор сандироқлаб юрадиган одам; саёқ, дайди. Э, санқи бўлмай йлсин Шотурсун ҳам! Ушанинг дастидан ҳеч тинчлик йўқ менга! Ф. Мусажонов, Сабоқ.

**САНҚИМОҚ** Бекор сандироқлаб, дайдиб юрмоқ; сақилламоқ. — Қеча сизни кўрдим-у, кўз олдим қоронгиллашиб, қилаётган ишидан ҳам адашавердим. Ишонасизми, туни билан кўчаларда санқидим, — деди Аҳмаджон Латофата. С. Қароматов, Ҳижрон.

**САОДАТ** [a] 1 Энг улуғ бахт, юксак иқбол. Саодат бермоқ. Саодат топ-

моқ. Ҳалол меҳнат-яхши одат, берур сенга саодат. Мақол. — Она сунтидек пок бизнинг ҳамдўстлик, Элнинг саодати, ҳузур шунда. М. Алавия. Она-Ватан истиқболнинг, саодатинг деб, Қурашди мардонатор қарилар, йилар. Файратий.

2 Саодат (эркалар ва хотин-қизлар исми).

**САОДАТЛИ** Улуғ бахтга эришган; бахтли. Саодатли инсон. | Улуғ бахт бағишловчи, бахт-иқбол бахш этувчи; бахтли. Бу .. бино Қумушининг ўз уйи бўлиб, бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар .. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**САОДАТМАНД** [a+ф-т] кт. айн. саодатли. Саодатманд кишилар.

**САПЁР** [*p<фр*] ҳарб. Инженерлик кўшинлари ҳарбий қурилиш қисмларининг солдати, офицери. Икки бронетранспортёр ғуриллаб келиб .. ўрмонга кириб кетди: уларда курак ва ойболта ушлаган кишилар, афтидан, сапёрлар бор эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мустафо Очилов хизмат қилаётган сапёрлар батальони жанговар топшириқ олди. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

**САПСАР** 1 айн. гулсапсар.

2 Оч бинафша ранг, бинафша. Сапсар бўёқ. Сапсар ипак.

**САП-САРИҚ** сариқ 1, 2 с. инт. Сап-сарик ўрик.

**САПФЙР** [*p<грек*] Тўқ кўк ёки ҳаво ранг қимматбаҳо тош; кўк ёқут.

**САПЧА** Ҳали пишиб етилмаган қовун; хомак. — [Боворда] қовун туширадиганларга ёрдамлашман, сапча беришадим, — деди Отабой. Г. Гулом, Шум бола.

◆ Бошини сапчадай узмоқ (ёки кесмоқ) бошини беомон, шартта кесмоқ. Бу кун-эрта .. ўз молининг тала-нишини ва бошининг ҳам сапчадек узиллишини аниқ кўради. А. Қодирий, Обид кетмон.

**САПЧИМОҚ** 1 Кескин ҳаракат билан кимсага, нарсага ташланмоқ, ўзини отмоқ. Бектемир буреутдай сапчиб, душман қорнига найза урди. Ойбек, Кўёш қораймас. [Хушрўй] иккинчи ва учинчи кунларда тўппа-тўғри кундош устига сапчийди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман кескин ҳаракат қилмоқ; сакрамоқ, ирғимоқ. Отабек сапчиб чиқди .. ва бор кучи билан Содиқни босиб тушди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ойқиз Бойчибордан сапчиб туйиди-ю, тўғри Муротали томон борди. Ш. Рашидов, Бўрдан кучли. Фосиҳ афанди ўрнидан сапчиб туриб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сапчиб кетмоқ (ёки тушмоқ) сесканиб ёки чўчиб, кўрқиб ўрнидан кескин кўзғалиб қўймоқ, ирғиб тушмоқ. Заҳар ичибди! [деди табиб]. Отабек сапчиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Сакрамоқ, сачрамоқ. Ҳазон уюмларини оқи-зиб келаётган тийиқ сумбула суви

қирғоққа сапчир эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. У дўстларининг қий-қуви ичида енгил-енгил қадам ташлаб чаққонлик билан ўйнарди, эгиллик билан айланарди ва гулханнынг алангаси сингари кўкка сапчирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Булутга (ёки кўкка) сапчидиган от айн. булутга (ёки кўкка) сакрайдиган қ. сакрамоқ 1. Бойвачадан қолган давлат, .. минг-минглаб нақдина пул, уй-рўзгор, хотин, ер-сув, кўкка сапчидиган отлар. Ғ. Гулом, Тирилган мурда. Ерга урсанг, кўкка сапчиди айн. ерга урсанг, кўкка сакрайди қ. сакрамоқ 1. | Урилиб қайтмоқ, ирғиб чиқмоқ, кўтаришмоқ. Қорабулоқни ер босиб ётибди, кетмон урсанг, сапчиб пешананга тегади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САПЧИТМОҚ** сапчимок 2 фл. орт. н. Ҳамидохон ерга қараб эзилиб ўтирарди. Ақасининг хитоби сапчишиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САПЧИШМОҚ** сапчимок фл. бирг. н. **САР** [ф-т] кам қўлл. Бош, калла. Сар ҳовуз катта ҳовуз, бош ҳовуз.

◆ Садкан сар қ. садқа.

**САРА** [ф-т] 1 Энг яхши, аъло, сархил. Сара уруғ — бўлиқ ҳосил. Мақол. || От чопса, гўмбурлар тоғнинг дараси, Урушда билинар мардининг сараси. «Алпоминш». Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлик уйларда ўтиришади. Овқатларнинг сараси уларга тортилади. Ойбек, Қутлуғ қон. **САРА** бўлмоқ энг яхшилардан терилмоқ, сараланмоқ. — Баталхон разведкаси роса сара бўлди, ўртоқ Ҳасанова, — таъкидлади комбат. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Сара (хотин-қизлар исми).

**САРАК** [ф-т] 1 айн. сара 1. Бу ерда каттаю-кичик баравар саналади, сараги саракка, пуцаги пуцакка ажралади. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. 2 Учи синмаган, бутун (тухум ҳақида).

**САРАК-САРАК**: сарак-сарак қилмоқ бошини у ён, бу ён чайқатмоқ; иргатмоқ. Мурод лабини тишлаб сарак-сарак қилиб қўйди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**САРАЛАГИЧ** Сараларини ажратадиган, сархиллайдиган асбоб ёки машина. Чигит саралағич.

**САРАЛАМОҚ** Сараларини ёмонларидан ажратмоқ, сархилларини термоқ, хилламоқ. Олма(ни) сараламоқ.

— Анор серташвиш нарса: уз, сарала, ташиб ол, анор тупини ерга кўм. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**САРАЛАНМОҚ** сараламоқ фл. мажх. н. Сараланган уруғлик. Сараланган команда. — Қовунга қаранг: ҳар бири туянинг калласидай, жуда сараланган. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САРАЛАШ** 1 сараламоқ фл. иш оти. Уруғликни саралаш.

2 Зотини яхшилаш. Чорва молларини саралаш.

**САРАМАС** мед. Терининг, кўпинча

бурун атрофининг яллиғланиб шишувидан иборат, тез тарқаладиган юкумли касаллик.

**САРАНЖ** Нима қиларини билмай қолган, гаранг. [Уринбой:] Ноинсофларни қаранг, ака! Биз машина ремонтига материал етказолмай саранжмиз-у, бўлар! Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Диққати ошиб, анча саранг бўлиб турган, отга бир амаллаб миниб олди-да, алланималар дея гулдираганча, отни лўкиллашиб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**САРАНЖОМ** [ф-т] Ҳамма ишн тартиб билан жой-жойга қўйиб бажарадиган, уй-рўзгорини, асбоб-анжомини батартиб тутадиган; тартибли, саришта. **САРАНЖОМ** аёл. **САРАНЖОМ** ходим. | Тартибга солинган, жой-жойга қўйилган; тартибли, батартиб, ораста, саришта. **САРАНЖОМ** уй. **САРАНЖОМ** ҳовли. || Ҳамма нарса ўз ерида, саранжом эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **САРАНЖОМ** бўлмоқ 1) йиғиб-териб олиниб тартибга тушмоқ, саришта бўлмоқ. Ойдинда ҳам терайлик, план Ҳарна олдин тўлган яхши. Терим иши совуқ тушимасдан. Тез саранжом бўлгани яхши. Уйғун; 2) айн. **САРАНЖОМ** топмоқ 2. **САРАНЖОМ**(ини) олмоқ ул-булни йиғштириб олиб ёки жой-жойга қўйиб тинчимоқ, хотиржам бўлмоқ. [Болтабой:] Биз қачон саранжомимизни оламиз, колхозга ҳамма киргандан кейинми? Шунга қараб ўтирамизми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**САРАНЖОМ** топмоқ 1) битмоқ, тугамоқ, тартибга келмоқ, жой-жойга тушмоқ. Ҳамма ишлар саранжом топандан сўнг .. тантана билан йўлга тушишди. Ойбек, Навоий; 2) кўчма с. т. жой-жойини топиб кетмоқ, гум бўлмоқ. Отасидан қолган нарсалар аллақачон саранжом топиб кетди. **САРАНЖОМ** қилмоқ 1) йиғиб-териб, жой-жойга қўйиб тартибга келтирмоқ, саришта қилмоқ, саранжомламоқ. Ёртанинг оиласи ҳар йил хўжайинлардан бирикки ой илгари кўчар, хўжайинлар кўчиб бореунча, боғнинг ҳамма ишини саранжом қилиб қўяр эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўчма с. т. ўзлаштириб юбормоқ, гум қилмоқ. Ҳисобчи .. шу йилнинг ўзидаёқ колхознинг ўнлаб қўйини саранжом қилиб юборди. «Муштум», 1960, № 1; 3) кўчма с. т. сўйиб, ўлдириб йўқ қилмоқ, гумдон қилиб юбормоқ, саранжомламоқ. [Мастура Гулжонга:] Матқосимбойни саранжом қилишибди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**САРАНЖОМЛАМОҚ** 1 Йиғиб-териб, жой-жойга қўйиб тартибга келтирмоқ, саришта қилмоқ. [Насиба:] Ая, сутни нима қилай? [Фотима:] Ўзим саранжомлайман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Рўзгор қақир-қуқури эҳтиёт ва диққат билан ўз жойига саранжомланган, чуқур жимжитлик ҳукм сурган ҳовлида, Йўлчи танҳо юрганда, унинг кўксини зирқираб оғритган ишқик кечинмалар қолади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма с. т. Ўзлаштириб юбормоқ, ўзлаштириб гум қилмоқ, йўқ қилмоқ. **Мукофотга** бериладиган машинани ҳам саранжомлашти, азаматлар.

3 кўчма с. т. Сўйиб, ўлдириб йўқ қилмоқ, гумдон қилиб юбормоқ. — Мен Абдурасулни босаман, ўзини саранжомлаб, қўштиари билан отини олиб чиқаман, — деди Мадамин. П. Турсун, Ўқитувчи.

**САРАНЖОМЛАМОҚ** саранжомламоқ фл. мажх. н.

**САРАНЖОМЛАШТИРМОҚ** айн. саранжомламоқ. Мен кўчага чиққандан кейин қийиндиларни маълум жойга олиб бориб тўқаман-у, кейинчалик «ўлжа»ни саранжомлаштираман. А. Исмоилов, Қароқчиларнинг тугатилиши.

**САРАНЖОМ-САРИШТА** [ф-т] 1 Саранжомликни яхши кўрадиган, саранжом иш тутадиган; батартиб. **САРАНЖОМ-САРИШТА** одам. — Ҳўй, қидирсин. Озода, саранжом-саришта, бефарзанд, хўй, ёши улгайган бир аёл топилса, майли. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Йиғиб-териб жой-жойга келтирилган; тартибли, ораста. **САРАНЖОМ-САРИШТА** уй. — Қурилишда ҳамма нарса Йигитали йўлагандай саранжом-саришта. С. Қароматов, Бир томчи қон. **Турсуной билан Башират** ҳар кун уй ичи-ю, йўлакларни супуриб-сидириб, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб, қозон осиб, оналарини ишдан қуттишади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**САРА-ПУЧАК** Сара ва пуцак, асл ва қалбаки. [Тожибой:] Фактларни анализ қилишни, сара-пуцагини ажраттишни .. билмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. — Мана бу .. йигитнинг касблари чойфурушчилик бўлса ҳам, хушхатликда, шеърни чиройли ўқуши ва сара-пуцакка ажраттишди каттагина фазилат эгаси, — деди Йўлдош. С. Абдулла, Муқимий.

**САРАТОН** [а] 1 (С — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасида жойлашган.

2 Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи (22 июль — 21 июль даврига тўғри келади). Минг тўққиз юз бешинчи йилнинг саратони қаттиқ келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Половон** ҳам қумларни яхши билади, саратоннинг жазирама иссиғида қанча-қанча марта ўтинга қатнаган эди. Ж. Шарипов, Хоразм. **Саратоннинг сариқ** қуни саратоннинг энг иссиқ кунлари.

3 мед. Рак касаллиги; рак.

**САРАФАН** [р] Хотин-қизларнинг енгиз уст кўйлаги. Юпқа матодан сарафан кийган қиз-жувонлар тикув машиналари ёнида «саф-саф бўлишиб кийим тикишяпти. С. Умаров, Бир-бирига устоз.

**САРАФРОЗ** [ф-т, л. м. боши юқори кўтарилган] Бирор мартабага кўтарилган, бирор мартабага кўтарилиб ёки

хурмат-эътибор ва ш. к. билан тақдир этилган, хурсанд қилинган; хурсанд, шод. Сарафроз қилмоқ (айламоқ). — Биз ҳужрага кирганди .. қишлоқда «Парвардигорхўжа» унвони билан «сарафроз» бўлган Саидкаббар сандалнинг тўрида каттааларга мўжосиб бир савлат билан ёнбошлаб ўтирарди. Айний, Эсдалиқлар. — Мақсадимизни равшан қилиб айтсак, бизни фармони хумоюн билан сарафроз қилсангиз,— деди Навоий подшога. Ойбек, Навоий. Қадами мубораклари билан бизни сарафроз айладилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САРБА-САР** [ф-т] Бошдан-оёқ, бирма-бир, тартитби билан. Сарба-сар ҳасратларим шарҳ этгани лолдур тилим. Хислат.

**САРБАСТ** [ф-т] Ўзини эркин ҳис этувчи; эркин, мустақил. У сарбаст, зыйрак, ҳаракатлари дадил, сўзлари ўткир, ўртоқлари орасида онабош қиз. Ойбек, Улуғ йўл. || У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешиабойнинг миғнобни бўлиб келанми-йўқлигини билишни истар, билмамай тажанг бўларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САРБОЗ** [ф-т] тар. Амир, хон қўшинининг оддий пиёда аскар; аскар, солдат. Ҳар уйда, ҳар куйда мудҳиш жанг бўлди, ҳарбий сарбозлари ханг-манг бўлди. Шайхзода. Унинг [Едгорнинг] рўятасида ҳарбий кийим кийган амир сарбози турар эди. Айний, Дохунда.

**САРБОЗХОНА** [ф-т] тар. Сарбозлар турадиган жой; казарма. Қарим Охун кундуз кунлари сарбозхоналарда бўлар, ҳарбий машғулотлардан сўнг, кеч киргач .. тўғри Қофиробод гузарига йўл оларди. А. Ҳақимов, Илон изидан.

**САРБОН** [ф-т] 1 Карвонбоши, карвон. Бир парча оқ булут сарбон янглиғ орқасидан нор тўялардек булутлар карвонини тортиб келаверди. Мирмуҳсин, Созанда.

2 кўчма Йўлбошчи, раҳнамо. Беҳад эди жанг йўлида қурбонлар. Лекин тоймай юрар эди карвонлар. Улуғ эди бошлаб юрган сарбонлар. Шайхзода. Бригадани олдинга бошлашда Рустам сарбон бўлиб қолди. А. Эшонов, Сарбон.

**САРВ** [ф-т] 1 Жануб мамлакатларида ўсадиган игна баргли донм яшил тик дарахт. Сарв арча арчаларнинг сарвга ўхшаш тик ўсадиган бир тури.

2 кўчма поэт. Қадди-қомати келишган, хушқомат аёл ҳақида. Жонга хузур, дилга фароғат, Сарвми яхши, сунбулим яхши. О. Юнус. Сарви ноз гўзал ва серишва аёл; нозанин, севиқли ёр. Сарви равон (ёки хиромон) қадди-қомати келишган, гўзал ва юриши чиройли аёл; нозанин; севиқли ёр. Сарви қомат (ёки қад) қадди-қомати келишган; хушқад, хушқомат. Юзи гул, сарви қомат, сочи сунбул, Кўзи нарис каби мастона, бир кел. Ҳабибий.

**САРВАР** [ф-т] 1 Йўлбошчи, раҳнамо. Ленин ҳар қадамда ўлкамизга ёр. Хар кичик ҳам улуғ зафарда сарвар. Миртемир. Сарвари кинот бутун бор-

лиқнинг сарвари (худонинг эпитетларидан бири). Чоллар каби «ё ҳаётан-набий!» ёки кўпинча, «ё сарвари кинот!» деб, бошини эгарак жим ўтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Сарвар (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

**САРВАТ** [а] эск. кт. Бойлик, давлат. **САРВАТДОР** [а+ф-т] Катта бойликка эга бўлган; бадавлат, давлатманд. Қутилмаган ерда шаҳарнинг энг олдинги аъён ва сарватдорларидан бўлган Салим шартдор деганнинг Қомилбек исми ўғлидан совчилар келиб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**САРВЗОР** [ф-т] Нуқул сарв дарахти билан банд ер, сарвлар ўстирилган боғ. Ҳирот вилоятига салқим нафас ёйиб ўтувчи шамоллар сарвзорларда изғийди. Ойбек, Навоий.

**САРВИНОЗ** (тўғриси сарви ноз) қ. сарв 2.

**САРВИКОМАТ** (тўғриси сарви қомат) қ. сарв 2.

**САРГАРДОН** [ф-т] 1 Бекорга оворан сарсон бўлиб юриш, оворан сарсонлик. Ордан беш соат ўтиб, мен «сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил» деганларидек, ҳориб-чарчаганимга қарамай, ательга кириб келдим. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Бировлар бир парча жой тополмай саргардон, чодирсиз, чайласиз даштда ўтирадилар. Ойбек, Нур қидириб. Шералихон саргардон бўлиб .. етти йилдан сўнг бир чет бозорга келиб ўтирди. «Эрли ва Шерали». Хўжайинлар: «молларни қорли тоғдан ҳайдаб ўтишга тайёр бўлинлар», дейишди. Билмайман, қайқларда саргардон қилишмоқчи бизларни? П. Турсун, Уқитувчи.

2 тнч. Бошидан ўгириш, бошдан ўгириб садақа қилиш. [Мастура:] Нега ҳаром бўлар экан? Саргардоннинг пули эмас бу, айланай! Дўпни тикиб тўплаганман, яхши йеит. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**САРГАРДОНЛИК** саргардон с. белги оти.

**САРГУЗАШТ** [ф-т] Бошдан ўтган воқеалар, бошдан кечирилганлар. Насриддин афандининг саргузаштлари. Саргузаштларни айтиб бермоқ.

— Элмурод «Ишлар қалай? Хизматинг қаерда?», дейиши билан уни сенсираб, оғзи тўла кулки билан бутун саргузаштини бир пасда сўзлаб ташлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Рус йеити Жилим билан Костилиннинг саргузашти уларнинг кўз олдларида жонли воқеадай ўта берди. П. Турсун, Уқитувчи.

**САРДАК** [ф-т] Қайнатма овқатнинг юзига чиққан ёғ. Шўрваннинг сардаги.

**САРДАКЛИ** Юзига сардак чиққан ёки сардак суртилган. Она битта чанати ва бир тарелкада озгина сардакли гурунч келтирди. Ойбек, Нур қидириб.

**САРДАРА** [ф-т] кт. Энг катта, асо-

сий эшик; дарвоза. Мадрасанинг сардараси.

**САРДАФТАР** [ф-т+а] Китобнинг, дафтарнинг бошидаги варақ; титул.

**САРДОБА** [ф-т] Усти гумбаз шаклидаги гишт қурилма билан беркитилган сунъий ховуз. Мен яна гумбазга қарадим. Сардоба! .. Тўнқариб қўйилган улкан қозонга ўхшарди. Ғ. Расул, Сардоба. Сардоба! Чўминг ҳар жой-ҳар жойида қадим замонда гиштдан қурилган усти ёпиқ ховузчанинг номи бу. С. Қодиров, Чўл юлдузлари.

**САРДОР** [ф-т] 1 тар. Эронда: феодал-помешчикларга хос қўшин бошлиғи; султонлик давридаги Туркияда: лашкарбоши, бош қўмондон. Уй деворига осилган милтиқ, қилч, қалқон, соғут, найза каби яроғлардан уй эгасининг эски сардорлардан бири бўлганлиги билиниб турар эди. Айний, Қуллар.

2 Умуман қўмондон, бошлиқ. Сенга бермас Гўрўғли ҳеч омона, Хон Гўрўғли Чамбил элнинг сардори. «Малика айёр». | кўчма Бошлиқ, йўлбошчи. Аячам колхозга раис бўптилар деб эшитдим. Зап ш бўптида. Ўзлари ҳам қирқ йигитга сардор бўладиган. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Чорвачилик бобиди сардор колхоз. Иш вақтида ухламас-бедор колхоз. Ҳабибий.

**САРЖА** [р<фр] Арқоғи ва ўриши диагонал равишда тўқилган астарбоп материал. Бир астарлик саржа. || Саржа астар.

**САРЖИН** [р сажень] 1 Уч газга тенг узунлик ўлчови. Икки саржин девор. — Соя атиги бир саржинча олдинда ер бетини силаб учарди. Тўриқ унга тумшугини тираганича изма-из қуварди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бўйи уч газ, баландлиги бир ярим газ қилиб терилган палён ўтин; шумикдордаги палён ўтин ўлчови. Урмонжон Абдусамодқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржин ўтин сотган ва пулини икковни бўлишиб олган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Умуман палён ўтин. Айвоннинг бир четига саржин тахланган. Ҳ. Шамс, Душман. Темир печкада тол саржин чирсиллаб ёнар, вагон яхши иситилган, лекин буеунги иссиқ бошқа кунлардагидек .. ором бермас эди. Ҳ. Ғулмо, Сенга интиламан. Саржин қилмоқ ўтинни кесиб ва ёриб палён қилмоқ ва тахламоқ. Тўнқаларни саржин қилмоқ.

**САРЖИНЧИ** 1 Ўтин кесиш ва ёриб саржин қилувчи киши.

2 эск. Ер ўлчовчи; землемер.

**САРЖИГА** [ф-т] фольк. Бош кийимга тақиладиган жиға. Барчин бошидаги саржигани кўриб, алларнинг эўри шу Кўкалдош эканини билиб, алларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб, бир сўз деб турган экан. «Ал-помини».

**САРИ** 1 [ф-т] кўм. 1 (б. к. ва баъзан ж. к. билан) Томон, томонга қараб. Тоғ сари кетиб бормоқ. Тиришдим тоғдан оидим, ёруғлик сари йўл оидим.

**Мақол.** — Пароход .. қирғоқда тўхтади. Одамлар шошиб-пишиб шаҳар сари йўл олдилар. Ё. Ханмов, М. Раҳмон, Хаёт ва мамот.

2 (=ган аффиксли сифатдошлар билан) айн. сайин 1. Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари, юрғинг келади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Борган сари айн. борган сайин қ. сайин 1. Иш борган сари оғирлашмоқда. Шамол борган сари кучаймоқда.

3 (вақт билдирувчи сўзлар билан) айн. сайин 2. У [Тоҳиржон] дам сари йўталади. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бир сари** майли эди, кошчи эди, майли-ку. Ишламагани бир сари, лекин ичгани ошиб тушади. Бир сари қадам бир рав кириб ўтмоқ. Инсоф сари барака инсоф қанча кўп бўлса, шунча барака кўпаяди, деган маънодаги мақол.

**САРИ II диал.** Сарик, сарик рангли. Йилқи бозори, той бозори, Қурт билан сари мой бозори. Қоғоздаги чой бозори. Қалтоқ бозори қайдадир? «Равшан».

**САРИ III диал.** Энг яхши, сара. [Гўрғули] Гиркўкка қамчи бериб, аждаҳога кўндаланг бўлиб, сари ёй билан отиб, қилич билан чопиб ташлаб, катта Мастонни бир ўлимдан айириб юборган жойи бор эди. «Хушкелди».

**САРИ [р<ҳинд]** (а — чўзиқ) Ҳинд аёлларининг танага ўраладиган эн шаклдаги уст кийими. У сарини ечиб, уй кийимларини кийди, юзини айвон четига ўтирди. Ойбек, Нур қидириб.

**САРИЁФ** Мол сугидан ажратиб олинган ёғ; маска. Бу ерда [бригадада] илгари салқинда сариёғ, офтобда қаймоқ ейишга одатланиб қолаган ағзолар ҳам энди ишга чиқа бошлаган. А. Муҳиддин, Ҳада.

**САРИЛМОҚ диал.** Осилмоқ. Қутбия Ҳасаннинг бўйнига сарилди, Ҳамдам форманинг қўли билан чулғаниб бузилган сочларини унинг туксиз юзига сўйжаб, қитиқлай бошлади. Айний, Қуллар.

**САРИМАҒИЗ I:** саримағиз бугдой бугдойнинг олтин ранг, сарик, маҳаллий нави. Эгамберди, шу бугдойнинг вазига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўй! А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бугдой ранг, бугдой мағиз. Саримағиз йиғит.

**САРИМСОҚ I** Пиёзсимон кўп йиллик ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган ўткир хидли, аччиқ пиёзи. Саримсоқ пиёз айн. саримсоқ I.

2 Саримсоқ (эркаклар исми).

**САРИН [ф-т]** I Оромбахш совуқ, салқин ва ёқимли. Сарин ёз. Сарин ел. — Жанубдан .. ширин уйку ва ором берувчи салқин сарин шабада эса бошлади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Октябрь ойида оқшомлар сарин ва мусоффо, кундузлар дўст нафасидек илқ, оромбахш бўлади. Т. Жалолов, Олтин қафас.

2 Нафис ва ёқимли. Йўл ёқалаб кет-

ган пахтазорлар, Қўм-кўк, тоза, зумрад япроқлар, Оқши, қизғиш рангли сарин гуллар, Алвон-алвон бўлиб ёзилган. Уйғун. «Наврўзи ажами» бошқа бир сарин куйга уланади ва машшоқлар водий йиғитлари севиб айтадиган «Тонг отгунча» ялласини бошлайдилар. Х. Ғулум, Тошкентликлар.

**САРИТОЛ** Толнинг, ёғочи мўрт бир тури; сариқ тол.

**САРИШТА [ф-т]** айн. саранжом. Саришта аёл. || Қизи бор уй доим саришта. Мақол. || Хотиннинг сариш-таси — одамнинг фариштаси. Мақол.

— Ичкари-ташқаридаги нарсаларнинг бариси сеники, биз кўчгандан кейин яхшигина саришта қил. Айний, Қуллар. Сенинг бир инженер шогирдинг Тузар завод планини, иши саришта. Х. Расул.

**САРИШТАЛАМОҚ айн. саранжомламоқ.** Уйни саришталамоқ.

**САРИҚ I** Сомон, зарчува, олтин каби нарсаларнинг рангидаги. Сарик ғилос. Оч сариқ гул. Тўқ сариқ ипак.

— Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тусалган, ер юзи ўзининг қишқи сариқ қийимини кийган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Малла ранг, малла (соч, тук, тери ҳақида) Сарик соч. Мўйлови сариқ йиғит. — Учоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ бужур одам кўк пиёладан чой хўшлаб ўтирибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Сарик ирк монголоидлар ирқининг эскирган номи.

3 От Тухумнинг оқсил моддаси ўртасидаги сарғиш қисми. Тухум пачақланган эди. Унинг сарғиш оққа аралашиб, чаккамдан сизиб, юзимга оқмоқда эди. Ғ. Ғулум, Шум бола.

4 От Жигарни яллиғлантириб, кўз ва бадани саргайтирадиган оғир ва юқумли касаллик.

◆ **Сариқ палак бот.** вилт касаллиги, вилт. **Сариқ поча бот.** пояси саргайишидан иборат ўсимлик касаллиги. **Сариқ сув айн. назла.** **Сариқ сумалак I**) қамиш билан ёпилган лой том бўғотида илк баҳорда ҳосил бўладиган сарғиш сумалак; 2) шундай сумалак ҳосил бўладиган давр, қишнинг охири. — Қшидан қитдай бор: хут-ют, сариқ сумалак, аямажиз, .. қаторлашиб турибди, — қулмисиради Раъно. Ойбек, Улуғ йўл. **Сариқ чақа I**) чақа пул, чақа. Мана, хотининг ётиб қолди, ёстиқдан бошини узишга дармони йўқ. Қиссамда сариқ чақа йўқки, бечоранинг оғзига ёқар овқат берсам. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ҳеч нарсага арзимади, уч пул, бир пақир. Олмани эргаштира олмаган раҳбарнинг қадири — сариқ чақа. И. Раҳим, Ихлос. **Сариқ чақалик** ёки чақага арзимайдиган ҳеч нарсага арзимайдиган, бир пулга қиммат, арзимас. [Полвон:] Нима қилай, сариқ чақалик иш қилмаса ҳам асал ялатайми, ўртоқ Ҳамидов? К. Яшин, Генерал Раҳимов. — Сўзни тангадай жаранглатиб, сўзлашга устасиз. Амю

ҳозирги сўзингиз пучак, сариқ чақага арзимайди, — деди Мирҳайдар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**САРИҚЛИК сариқ I с. белги оти.** Рангининг сариқлиги. Юзининг сариқлиги.

**САРИҚСОР** Қарчиғайлар оиласига мансуб йирткич қуш; сор.

**САРИҚЧА** Тилнинг учуда пайдо бўладиган сўғалсимон чиқик, тирсак. **САРИҚҚАМИШ** Бошоқли ўсимликларга оид, попуксимон тўп гулли кўп йиллик ўсимлик.

**САРКАРДА [ф-т]** I Қўмондон, лашкарбоши. [Арслон:] Ўртоқ Семёнов саркарда Фрунзенинг ишонган командирларидан. К. Яшин, Тор-мор.

2 кўчма Бошлиқ, йўлбошчи. Сиз, ҳосилот саркардаси, бу ишга бош-қош бўлишингиз керак эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**САРКАШ [ф-т]** Унча-мунчага бўй бермайдиган, итоат қилмайдиган; итоатсиз, ўжар, қайсар, тихир, терс. **Саркаш от.** — Улар: «Биз бормасак саркаш қизнинг тўйи руҳсиз ўтади, фалончиларнинг тўйига раис ботмапти», деган сўз унинг учун катта жазо деб ўйлаган бўлсалар керак. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Сенинг режанг билан саркаш дарёлар Иродамиз олдида эди бошини. Ғайратий.

**САРКОР [ф-т]** I тар. Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши. Солиқ йиғиши ишларини бошқариши бек томонидан тайинланадиган саркор қўлида бўлган. Ф. Озодоев, Тошкент тарихидан очерклар. Қлянининг .. каторчасига борсам, саркори ўзимизнинг бувайдалик чиқиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Умуман рахбар, ишбоши, бошлиқ. — Ишга туш, — саркор юқорига ғишт ташувчилар томонга қўл учи билан ишора қилди. Ойбек, Навоий. Раъно Самарқанд район ишларининг саркори — район комсомол комитетининг секретари эди. И. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи. Унга муштоқ ҳамшаҳарлар Оқшомда-ю, саҳарда Гоҳ тўйларда саркор бўлар, Гоҳ тер тўкар ҳашарда. «Муштум», 1962, № 9.

**САРКОТИБ [ф-т+а]** I эск. Котиблар бошлиғи; бош котиб, бош секретарь.

2 Умуман котиб, секретарь. **Иккита .. столнинг бирида колхоз саркотиб**и Умарали, иккинчисиди ҳисобчи Абдулқосимлар шуғуланмоқдалар. А. Қодирий, Обид кетмон. || Уйлаб кўрсам, саркотиб одамга, шундан боп совға йўқ экан. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**САРЛАВҲА [ф-т+а]** I Китоб, асар, мақола ва ш. к.нинг номи. Сарлавҳа қўймоқ. — Бундан бир йил бурун шу қизил чойхонанинг деворий газетасида «Сўнги саводсиз» сарлавҳаси билан мақола босилган .. эди. А. Қаҳҳор, Мирзо.

2 эск. айн. **вивеска I.** Қишлоққа қирар йўлда Мана катта дарвоза,



Дарвозага ёзилган «Қолхоз» деган сарлава. З. Дийр.

**САРЛАВҲАЛИ** Бирор сарлава остида ёзилган, сарлава кўйилган. «Мўл ҳосил учун» сарлаваҳали мақола.

**САРМАСТ** [ф-т] Андак кайфи бўлган, андак кайф қилган; ширакайф. **Сармаст одам.** — Андак-андак меъеридан бошланган шароб ҳаммани сармаст этиб, гангур-гунгурни авжига миндира бошлади. С. Кароматов, Бир томчи қон. || Қомил чап қўлини Бўронбекнинг елкасига қўйиб, сармаст қулди. Х. Ғулом, Машъал.

**САРМОЯ** [ф-т] 1 эск. Катта маблағ, капитал.

2 Умуман маблағ, пул. *Найманчада ибтидоий таълим мактаби очилиши учун фуқаро ўз ташаббуси билан сармоя жамғармоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ўйлаб қаранг-а, давлатимиз ҳар йил мамлакатни кўкаламзорлаштириши учун миллион сўмлаб сармоя ажратади.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**САРМОЯДОР** [ф-т] эск. Катта сармоя эгаси; капиталист. *Йирик заминдорлар, сармоядорлар учун ўз манфаати, ўз фойдасидан юқори нарса йўқ.* Ойбек, Нур қидириб.

**САРМОЯДОРЛИК** сармоядор с. белги оти. *Сармоядорлик мамлакатлари.*

**САРМУНШИ(Й)** [ф-т+а] тар. Амир, хон саройида бош мушши(й), бош котиб. *Махдум қизига қараб қулди: — Бахтинга-да, қизим, — деди, — Анвар аканга сармушши бўлибди!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**САРНАЙЗА** [ф-т] Милтқу найзаси. *Унда-бунда отилган милтқулар тоғуши орасидан бир-бирига тегиб шақирлаган қилич ва сарнайзалар садоси .. эшитилмоқда.* Айний, Қуллар.

**САРНИГУН** [ф-т] Афғарилган, тўнтарилган. **Сарнигун бўлмоқ** 1) афғарилмоқ, тўнтарилмоқ; 2) кўчма шарманда бўлмоқ, ерга қараб қолмоқ. *Шунча давлат топиб, обрў топиб, эл ичида сарнигун бўлишга кимнинг тоби бор.* Ҳамза. **Сарнигун қилмоқ** 1) афғармоқ, тўнгармоқ; 2) кўчма шарманда қилмоқ, юзини ерга қаратиб қўймоқ. — *Сен аҳмоқнинг бу шинги ҳазрат олдида менинг юзимни сарнигун қилди, — деди Норбўта.* Ғ. Расул, Адолат.

**САРНОМА** [ф-т] 1 Номанинг, мактубнинг бошида ишлатиладиган стандарт формула (мас., «дуои салом, билониҳоя ва салом муштоқона...»).

2 эск. айн. эпиграф.

3 кўчма Девиз, шior. *Сарнома қилиб олмақ.*

**САРОБ** [ф-т] 1 Атмосферанинг турли қатламлари турлича қизиган, ҳаво очиқ ва тинч кунларда уфқ ортидаги кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг ҳавода акс этиб кўринишидан иборат ҳодиса. *Узоқ-узоқларда ёқимсиз сароб қўринар, сарғиш тўзон ойнадай мусаффо осмонга қараб сузиб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Хаёл, хаёлот, хом хаёл. [Навой:] *Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**САРОЙ** [ф-т] 1 тар. Хон, амир, подшоҳларнинг доимий истиқоматгоҳи ва қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино; қошона. [Тўлаган:] *Николай подшонинг қиши саройида уйларни шамоллатадиган туйнуклар йўқ экан деб эшитдим, шу тўғрими? — деди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Эшикнинг икки ёнида ойболта қўтарган икки жаллод сурат каби қотганлар, улар қаторида хон улуглари, аёён ва сарой бекари чизилишиб ўтирганлар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Умуман ҳашаматли катта бино ва унинг ҳовлиси. *Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўпланишиб мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар.* Айний, Қуллар. | *Ижтимоий мақсад учун белгиланган ва жиҳозланган ҳашаматли катта бино. Санъат саройи. Бахт саройи* никоқлаш маросими ўтказиладиган сарой.

3 Карвонлар, савдогарлар қўнадиған меҳмонхонали, ҳовли ва отхонали жой; карвонсарой. *Сарой дарвозасидан икки киши келиб киргач, улардан биrowи дарвоза ёнидаги кимдандир сўради: — Отабек шу саройга тушганми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Омборхона, омбор, склад. *Кўмир саройи.* — *Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройга босиб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Оғилхона, молхона. Молларни саройга қаммоқ.* | *Бостирма ёки тўрт девор билан ўралган кенг бино.*

**САРОЙВОН** [ф-т] Карвонлар ва савдогарлар қўнадиған сарой эгаси. — *Агар қариндошиниизниқидида от қўядиган жой бўлмаса, каппондаги саройга олиб бориб, саройвонга «мени айтди» десангиз билади, — деди мингбоши.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**САРОМАД** [ф-т] кт. Бирор соҳанинг энг атоқли арбоби; пешво, пешқадам. *У [Султонмурод] барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимларининг пейвоси, «саромади» бўлишга тиришади.* Ойбек, Навоий.

**САРОНА** [ф-т] тар. Жон бошига қараб солинган солиқ.

**САРОСАР** [ф-т] рви, кт. Бошдан-оёқ, батамом. *Кўриб ерларни фан аҳли саросар, Деди: йўқ пахтада сенга барбар.* Ҳабибий.

**САРОСИМА** [ф-т] Нима қиларини билмай ўзини йўқотиш, гангиш, эсанкираш ҳолати. *Саросима бўлмоқ. Саросимага тушмоқ. Саросимада қолмоқ. Саросима қилмоқ. Саросимага солмоқ.* — *Фельдшер билан Степаннинг кўзлари учрашди.* Бу қарашларда .. бир оз саросима аралаш қатъият ҳам бор

эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ-қиссаси. *Тўсатдан ҳужумга учраган босқинчилар саросимада кийимларини киймай, яп-яланғоч қочган эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. — *Нега сен бу хотинни кўрганда саросима бўлиб қолдинг? — деб бирдан сўради [Гулнор].* Айний, Дохунда. *Эъзозхон нима қилишини, маҳдумзодага қандай жавоб беришини билмай, саросимага тушиб қолди.* Х. Ғулом, Машъал. *Саросимада қолган кишилар отда, аравада, пиеда Қамишли авлиёга қараб чопдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**САРОСИМАЛАНМОҚ** кам қўлл. Саросима бўлмоқ, саросимага тушмоқ. **САРОСИМАЛИК** 1 саросима с. белги оти.

2 Саросима ҳолати, саросима. *Саросималикка солмоқ. Саросималикда қолмоқ.* — *Ермат ҳеч қандай қисилиш, саросималик сезмади, бўйинини чўзиб, у ёқ-бу ёққа аланлади-да, одамлар орасини ёриб кирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мусулмонқулнинг ўз йиғитлари саросималикда қолиб, Мусулмонқулнинг мудофаасини-да ва қочишини-да билмай қолдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Суворийлар дам-бадам орқасига қайрилиб от қамчилар, улар орқасидан узоқ уфқда сарғиш тутундай тўзон тобора қуюқлашиб, суворийларни саросималикка соларди.* А. Ҳақимов, Илон издан.

**САРПАРДА** I [ф-т] Капа, соябонли арава ва ш. к.нинг катта пардаси; ёпинчиқ.

**САРПАРДА** II [ф-т] муз. I Пардали музика асбобларининг асосий пардаси. 2 Нотада сатр бошига қўйиладиган ва ўзидан кейинги ноталарнинг номи ва баланглигини белгилайдиган белги; калит. *Скрипка сарпардаси.*

**САРПИНКА** [р] Юпқа йўл-йўл ёки катак-катак ип газлама.

**САРПО** [ф-т], 1 этн. Тўй ва бошқа расмий маросимларда тўйга тааллуқли кишиларга тақдим этиладиган бош-оёқ кийим ёки тўн, дўппи, қийиқча ва ш. к. *Меҳмонга сарпо кийдиarmoқ. Сарпо қилмоқ. Сарпо юбормоқ.*

2 Умуман кийим-кечак, кийим-бош. *Сенга атаб тикар сарпо «Қизил юлдуз» фабрикаси, Сенга атаб қўйиш ёзар, Шоирларнинг энг сараси.* Қ. Муҳаммадий.

**САРПОЙЧАН(Г)** Оёқ яланг, яланг оёқ. — *Вакила ая, .. деди Жўраҳоннинг ёнеинасида турган уада паранжили, сарпойчанг бир хотин.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қуз кириб ҳаво анча салқинланганга қарамай, Тешабой ташқарисиди яктакчан, сарпойчан юрган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САРПО-СУРУҚ** Ҳар хил сарпо, турли сарполар. *Тўйга озиқ-овқат, сарпо-суруқ дегандай, ҳамма нарса тахт бўлсаями, Шакар буйининг кўнгли тўлмас эди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**САРПҶШ** [ф-т] кам қўлл. айн. қопқоқ. *Хотин чиқиб кетгандан кейин*

тандирнинг сарпўшини олиб, бир оз эркинроқ нафас олдим,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**САРРОВ** [ф-т] бнк Бинонинг икки ён деворига, тўсинлар остига солинадиган ёғоч. Том ёпиш учун сарров солмақ. Сарров қўймоқ. ■ — Қолхоз отхонасидаги узун сарров эсингдами? — сўради Али тажанг шавқланиб. Ойбек, Қуёш қораймас.

**САРРОВЖ** [а] От-арава абзали тайёрловчи уста. Мўйдиннинг жарчиси томоқ қириб, қичқириб юрибди: — Ҳой, ямоқчи, чилангарлар, кўз бўёвчи заргарлар, пардоз сотган атторлар, саррож, базвоз, дўкандорлар! Мўйдинбекни қутланглар! Ё. Шукуров, Қасос.

**САРРОФ** [а] Йирик пулни майдалаб бериш ёки чет эл нулини бирор мамлакат пулига алмаштириб бериш иши, билан шуғулланувчи ва шундан фойда кўрувчи шахс. Тимга киравершидаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симоби салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркашга тангаларни ўйиб ўтирар эдилар. М. Осим, Элчилар.

**САРРОФЛИК** **1** сарроф с. касб оти. Саррофлик қилмоқ.

**2** тар. Бозорда саррофлар дўкони жойлашган раста, саррофлар қатори.

**САРСАБИЛ** [ф-т] Униб чиқмаган (ер остидаги) ёш пояси сабзавот сифатида овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик.

**САРСАРИ** [ф-т] Ҳеч қаерда ишламай ялло қилиб юрувчи; санқи, дайди, такасалтанг. Сарсарни кезмоқ (юрмоқ).

■ Бухоро мадрасалари қаландарлар, сарсарилар, гадоилар ва ғариблар турадиган вайронага айланган эди. Айний, Эсдалиқлар.

**САРСОН** [ф-т] Овора, саргардон. Қим эдик: тарихда биз: сарсон эдик, тарқоқ эдик, Энди ҳурмиз, қутлағаймиз бу гулистондан сени. А. Пўлат. Бир йиғит қизини деб, икки йиллаб сарсон бўлганда, қизини икки ойлик кундош азобидан хайф кўриш жуда уят, ахир! А. Қодирий, Утган кунлар. Боши гангиб қолган камбағал деҳқон, Бир парча нон учун бўларди сарсон. Фозил шоир. [Дилбар:] Ҳаммани сарсон қилиб қўйдингиз-ку, Мирбадал ака! Уғит қани? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Буни ҳайданг, буни ҳайданг, Тез орадан, жўралар! Яна ёлгонлар ила кўп Сизни сарсон қиларлар. Ҳамза.

**САРСОНГАРЧИЛИК** Бирор иш, мақсад билан беҳуда қатнаш, елиб-югуриш, дарбадар кезиш, саргардон бўлиб юриш; саргардонлик.

**САРСОНЛИК** **1** сарсон с. белги оти. **2** айн. сарсонгарчилик. Сарсонликда кезмоқ.

**САРСОН-САРГАРДОН** [ф-т] Ортиқ даражада сарсон ва саргардон, оворан сарсон. Қўрбошилар менга деса қирлиб кетсин. Мен ўзимга ўхшаши сарсон-саргардон деҳқонларга ачинаман.

И. Султонов, Бургутнинг парвози. Энди ота-онадан ҳам, Лёлядан ҳам хат йўқ. Улар қайси кўчаларда сарсон-саргардон бўлиб юришибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Уруш, шунча йил уларни сарсон-саргардон қилган уруш охирига етиб келарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**САРСОН-САРГАРДОНЛИК** **1** сарсон-саргардон с. белги оти.

**2** Сарсонликдаги ҳаёт, ахвол. Орадан анча вақт ўтди, ҳаёти сарсон-саргардонликларни бошимдан кечирдим. Ё. Раҳимов, Рус ишчилари билан бирга.

**САРСОНЧИЛИК** айн. сарсонгарчилик.

**САРТ** [санскр] тар. **1** Кўчманчиликдан ўтроқ ҳолга ўтиб, қабила, уруғчилик муносабатларига барҳам берган ўзбекларнинг айрим қисмига революциядан илгари берилган ном.

**2** Революциядан илгари ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги маҳаллий халққа европаниклар томонидан берилган ном. [Йўлчи:] Петров, бойларни «буржуйлар» деб гапирарди, ҳар вақт жамики буржуйларни, тўраларни йўқотиб, ҳамма ишни биз ўз одамларимизга, ишчиларга топширамиз, дейди. «Сарт» ҳам, ўрис ҳам барабар, дейди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**САРТАРОШ** [ф-т] Соч-соқол олувчи уста.

**САРТАРОШЛИК** **1** сартарош с. касб оти. Сартарошлик қилмоқ.

**2** айн. сартарошхона.

**САРТАРОШХОНА** [ф-т] Сартарош дўкони, сартарошлик.

**САРТАХТА** [ф-т] этн. Ўлик ювиладиган тўрт оёқли пастак хонтахтага ўхшаш стол.

**САРТИЯ** [ф-т<санскр] Сартлар (ҳ. сарт **2**).— Ҳазрати подшоҳимизнинг ўз фуқаролари мусулмонлар, .. бизнинг Туркистон сартиллари ҳам фармонбардор бўлиб, хусусан ана шу қаттол жанг кунларида ёрдам бермоқлари фарздор,— деди қаландарлардан бири халойиққа. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**САРУПО** [ф-т] юқ. усл. айн. сарпо.— Жанобларини янги сарупо ва улуг мартаба билан табриклаймиз,— деди Хусайн. М. Осим, Сехрли сўз. Мана қудайон, қўвинга сарупо қилсанг, мандан ибрат ол. Ойбек, О. в. шабадалар.

**САРФ** **1** [а] **1** Бирор мақсад учун харж бўлган пул, маблағ миқдори; харажат, чиқим. Энди Шоабдуфаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайлик! Ўзинг чакирдинг, ўзинг бурқдинг .. тўлайбер. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Бўйрадай жойга шолғом эккан одамга ҳам сувми! Эҳ-ҳе, пахтамизга қанча пул сарф бўлди, буни тушуниш керак. Ойбек, Қутлуғ қон.— Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб теккига ўқитса-я! — деди Матқовул. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Умуман бирор мақсад учун ишла-

тилган, кетган ёки кетадиган нарса миқдори. Электр сарфини камайтирмоқ. Материал сарфини тежаб-тержаб турмоқ. Бу ишга кўп меҳнат сарф бўлди. Меҳнат сарф қилмоқ. Вақт сарф қилмоқ. Қурилиш материалларини тежаб сарф қилмоқ. ■ — Ўз бошимдан жуда кўп ишларни кечирдим. Лекин мен ҳеч қачон ҳеч қаерда ўз умримнинг нимага сарф бўлаётганини пайқамангиз эдим,— деди командир. П. Турсунов, Уқитувчи. Мен дустингман, қаватингда кетаман, Умрим бори Ватанга сарф этаман. Фозил шоир.

**САРФ** **II** [а] эск. айн. морфология.

**САРФАРОЗ** [ф-т] айн. сарфароз. Сарфароз бўлмоқ. Сарфароз қилмоқ. ■ Ватан аҳли билан сарфароз, Сабоқатли, ҳимматли, меҳмоннавоз. Ҳаббий.

**САРФИЙ** [а] эск. айн. морфология. **САРФИЯТ** [ф-т<а] кт. кам қўлл. Сарф-харажатлар, чиқимлар. Сарфиятни камайтирмоқ.

**САРФЛАМОҚ** **1** Харажат, чиқим қилмоқ, сарф қилмоқ. Пул сарфламоқ.

**2** Ишлатмоқ, кетказмоқ, сарф қилмоқ. Материални тежаб сарфламоқ. Меҳнат сарфламоқ. ■ Отам ўз ҳаётининг деярли ярмидан кўпини шаҳардаги кўприкларни қуриш ва тузатиш ишига сарфлади. М. Хусанхўжаев, Большевиклар кўрсатган йўлдан бориб.

**САРФЛАНМОҚ** сарфламоқ фл. мажх. н. Маориф-маданият ишига сарфланаётган маблағ миқдори илдан-йилга ошмоқда.

**САРФЛАШМОҚ** сарфламоқ фл. бир. н. Нигора чиройли қиз эди. Ота-она топанларини шу қизга сарфлашарди. С. Аҳмад, Пешқадам.

**САРФ-ХАРАЖАТ** Сарф ва харажат(лар). Қийда шунча сарф-харажат қилганим ҳолда қовоқ сотишдан қолган пулга баҳорда болани бир совлиқ ҳам боқи бошладим. Айний, Эсдалиқлар.

**САРХАЛ** Овқат пишириш процессининг ёғни доғ қилиб, унда тўшт ва бошқа масаллиқлар қовуриб бўлинган дастлабки қисми. Қампир бечора бир нафасда овқатини сархалда қолдириб, бетини юлиб, саннагани тушиб кетди. «Сирлар».

**САРХАТ** [ф-т+а] Чиройли ёзув; хуснихат. Сархат машқ қилмоқ. ■ [Саидакбар] ҳарфларнинг тўлмаган жойларини қалам учи билан тўлдирар, натижада бир «сархат» вуҷудга келди. Айний, Эсдалиқлар.

**САРХИЛ** Энг яхшиларидан терилган; сара. Сархил мевалар. || Узумнинг сархили. ■ Гадоибой сархил олма, нок, узумларни вагонларга жойлаб Россиянинг узоқ-узоқ шаҳарларига жўната бошлади. Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.— Биз қариялар теримда ёшларга етолмаймиз. .. Биз аста-аста, бироқ жуда тоза, сархил қилиб терямиз,— деди Саксон ота. Ойбек, О. в. шабадалар.

**САРХИЛЛАМОҚ** Энг яхшиларини,

сархилларини ажратмоқ; сараламоқ, Олмаларни сархилламоқ.

**САРХОК** [ф-т] Деворларни ёғни сувлари таъсирида емирилишдан сақлаш учун девор устига қўйиладиган серсомон лўмбоз. *Сўз маъқулдан ошмас, девор сархондан.* Мақол.

**САРХОНА** [ф-т] Чилимнинг тамаки солиб тутатиладиган сопол қисми. *Сархонага тамаки солмоқ.* — *Асроркул чилимни шундай қаттиқ тортидики, сархонада аланга кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**САРХУШ** [ф-т] 1 Кайф қилган, кайфи бор, ширакайф. — *Оёқларим ҳам қалтирай бошлади, кўчада сархуш одамлардай борардим,— деди Қамолдин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Уй тўрида уч-тўртта киши, Хаяжонда ортиб ташвиши, Қилмоқдалар дам-бадам май нўши, Кўз қизарган, баъзилар сархуш.* Ғайратий. | Кайфи бор кишиларга хос, кайфли. *Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб [машиққоқ] жавоб берди: — Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *кўчма* Кучли таъсир олиб маст бўлган, кайф қилган. *Шийонда тушилик қилаётган колхозчилар куй завқига гўё сархуш эдилар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Бўса мени айлади сархуш, Уйнаб туриб сочинени учин, Енгил тортидим гўёки бир қуш.* Уйғун.

**САРХУШЛАНМОҚ** Кайф қилмоқ, ширакайф бўлмоқ. *Меҳмонлар оз-оздан ичиб, сархушланди олдилар.* — [Отабек] *кўз ўнгиди бировнинг сурати ўтиб сархушланди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**САРЧАШМА** [ф-т] 1 Бош булоқ. Довонларнинг этагида азалдан Қўшигин куйлар эди сарчашма. Шайх-вода.

2 *кўчма* Бош манба. Бузилмас дўстлигимиз сарчашмаси.

**САРҚИТ** 1 Бировдан қолган таом, қолдиқ овқат. *Узи тўймаганининг сарқити қорин оғритади.* Мақол. — *Фарзандим бор эди, деб бир марта йўқламади. Битта-ю битта боласи одамларнинг сарқити билан яшаётганига номус қилмади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 *кўчма* Утмишдан мерос бўлиб келатган ва замонамиз руҳига тўғри келмайдиган одат, расм-русум, тартиб ва ш. к. утмиш қолдиғи. *Утмишнинг кишилар онгадига сарқитлари.* — *Мен бугун шунча ишондимки, баъзи эркаклар аёлларга муносабатда жуда паст экан .. бу бизнинг фикримизда ўтмиш қолдирган сарқит.* П. Турсун, Уқитувчи.

**САРҒАЙМОҚ** 1 Сарик тус олмоқ. Қоғоз офтобда сарғайиб кетибди. *Урик олтиндай сарғайиб пишибди.* — *Отаналарининг қўйнида ўсиб, ҳали ёруғ дунёни кўрмаган ёш-ёш қизлар хоннинг ҳарамхонасида ҳазондек сарғаядилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Рисолат*

*холо! Майна яна чақирди .. Эшик салгина очилиб, холанинг сарғайган озғин юзи кўринди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *кўчма* Зорниқб кутмоқ, маҳтал бўлмоқ. *Кошкийди, йўлингизда сарғайганимни, бир кўришга, худди шу бугун кўришга зор бўлганимни билсангиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пирнафас акага кечёча навбат келмади, қозихона эшиги олдида сарғайиб ўтиришди, сўнгра «эртага келамиз» деб, қишлоққа қайтишди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *кўчма* с. т. Ялинниб сўрамоқ, илтижо қилмоқ. *Мома, сизга сўз сўзладик мунгайиб, Арз айтамыз сизга сарғайиб.* «Рустам».

**САРҒАЙТИРМОҚ** 1 сарғаймоқ 1 фл. орт. н. — *Жийдани сарғайтириб, анорни қизарттирган, пахтани ештириб, қовунни тўрлатган далалар хумор қилади,— деди Элмурод.* Шухрат, Шинелли йиллар. — *Сен билан гаплашман деб, қўйлагимнинг этагини [дазмолда] сарғайтириб қўйдим,— деди Қодир Сатторга.* А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Топилган қиз.

2 *кўчма* Кутдириб қўймоқ, маҳтал, интизор қилмоқ.

3 *кўчма* с. т. Ялинтирмоқ.

**САРҒАЙТМОҚ** сарғаймоқ фл. орт. н. *Ёмон билиб Бойбўрининг сўзини, Бермас бўлиб бунда Барчин қизини, Чўлларда сарғайтиди гулдай юзини.* «Алпомиш».

**САРҒИЛТ** диал. Сарғиш.

**САРҒИМТИЛ** с. т. Сарғиш. *Бўйи икки, эни бир ярим қулочча келадиган тор хўжра жин чироқнинг хира ёруғида сарғимтил тус олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САРҒИМТИР** айн. сарғиш. *Сарғимтир чанг.* — *Қоп-қоронғи кечда ҳовлимизга аллақандай сарғимтир нур чўзилиб кираверди.* С. Аҳмад, Хукм.

**САРҒИШ** Сарикча мойил, саригроқ, сарғимтир. *Сарғиш бўёқ.* *Сарғиш ўт.* *Сарғиш мўйлов.* — *Оқ сарғиш дур ва марваридлар пориллайди, ёқутлар, гавҳарлар ранг-баранг ёнади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Узоқ-узоқларда ёқимсиз сароб кўринар, сарғиш тўзон ойнадай мусалфа осмонга қараб сузиб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**САРҲАД** [ф-т+а] эск. кт. Чегара, худуд. *Давлатнинг сарҳадлари.* — *Сен борсанки, ўлкамизнинг сарҳадлари дахлсиз, Сен борсанки, ҳеч қандай ёв Юртни хароб этолмас.* Уйғун.

**САРҲАФТА** [ф-т] этн. Кувёв томондан келин томонга ҳафта сари бериб туриладиган совға-салом.

**САРҲОВУЗ** (тўғриси сар ҳовуз) қ. сар.

**САС** диал. Овоз, товуш; нидо. *Сасингизни чиқарманг! Бўлмаса ҳамма-нигз қириласиз!* Айний, Қуллар. Тош юрагинг юмшасин, Эшитсин қалблар сасин. Х. Олимжон.

**САСИМОК** 1 Сасиқ хид чиқармоқ, ёқимсиз, қўланса хид таратмоқ.

2 Сасиқ хидга тўлмоқ, сасиқ хид уриб қолиб ёки сасиқ хидга тўлиб бурунга, кишига ёқмай қолмоқ. *Уй сасиб кетибди.* Ҳаммом сасиб ётибди.

3 Айниб, хидланиб ёки бузилиб қолмоқ. *Гўшт сасиб қолибди.* Асал айнимас, сариёғ сасимас. Мақол.

4 Дудаб ёнмоқ, тутун чиқариб турмоқ. *Самовар сасияпти.* — *Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир хўжра .. наригиларида қора чироқ сасиганда, бу хўжрада шам ёнарди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 *кўчма* дағл. Аччиқ-тирсик ёки қўланса гап қилмоқ, беҳуда, бўлар-бўлмас гаплар гапирмоқ. У [ютаниш киши] *Мўмин хубога нафрат билан қараб олиб, уч-тўрғи оғиз сасиди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. — *Уста, аскияни чойхонага чиқиб қиласиз.— Бу мажлис. Гапингиз бўлса панада сасимай, манови ёққа чиқиб гапиринг!* — *деди раис.* С. Аҳмад, Ходивой.

**САСИР** Соябонгуллилар оиласига мансуб, сариқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

**САСИТМОҚ** 1 сасимоқ 1—4 фл. орт. н. [Хидоят:] *Бўлаганику бўлди, энди мени сасиқ молхонага боғлаб, ахлатнинг ичида тонг отеунча саситмасанг гўрга эди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 айн. сасимоқ 5.

**САССИҚ** 1 Ҳиди ёмон, ёқимсиз, қўланса. *Сасиқ газ.* *Сасиқ гул.* *Бурунни сасиқ деб кесиб ташламас.* Мақол. — *Элмурод бу гапларни эшитганда, худди сасиқ бир нарсдан ҳазар қилгандай жирканди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Сасиқ хидга тўлган, сасиқ хид ўрнаб қолган; ҳавоси оғир. *Сасиқ ҳаммом.* — *Икки йилгача .. мана шу сасиқ баракда чириб ётамизми?* А. Мухтор, Туғилмиш. *Энг зах, энг тор, тупроғи қалин, Ифлос ердан кўрсатиб ўрин, Секин қўйган ориқ бошини Чирик, сасиқ, эски болишга.* Х. Пўлат.

3 Айниб, хидланиб ёки бузилиб қолган, ачиб-бижғиб кетган. *Кўкариб кетган, бу сасиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар тушган ерида бир икки қилпанглаб, дарров ўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жангилар этик, ботинкаларига ёпишган сасиқ балчиқни қирғоққа чиқиб ювар, даракт шохларидан ҳўл япроқларни сидириб, у билан артар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 *кўчма* дағл. Гап-сўзи кишига ёқмайдиган; қўланса. *Сасиқ одам.* — *Сен гапирма, сасиқ камтир,— деди Кумри Қамчининг ёнини олиб,— эринг билан қўшмозор бўл!* Х. Ғулум, Ма-шғал. *Мени нима учун бундай қийнай-сиз .. Кошкийди, қорача бўлиб туғил-сан бўлсам, кўргам, калгами тегиб, сизнинг таънангизни, сасиқ сўзларингизни эшитмас эдим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Сасиқ алаф қ. алаф. Сасиқ



кекирдак овқат ҳазм бўлмаслиги на-тижасида қўланса ҳидли газ чиқариб кекиртиш.— *Мен ҳам бугун «зиёфат» еявериш жуда ҳам сассиқ кекирдак бўлиб кетдим,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом. Шум бола.*

**САССИҚЛИК** сассиқ с. белги оти. Дорининг сассиқлиги. Гапнинг сассиқлиги.

**САССИҚПОПИШАК** айн. попишак.

**САТАНГ** Пардоз-андозга ва кийимга зеб берган; олифта, башанг. *Сатанг аёл. — Барнонинг ташқи кўринишига гаши келиб юрган соғувчилардан бири: «Сатанг соғувчимизга қараб қўйинглар — юриши хон юришу, соғиши бир сиғир» — деди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. || — Эй, бебош бола, сочи калта, думи юлук, бир сатанга уйланиб олибсан-у, онанг беҳабар,— деди Қаромат. Ш. Саъдулла, Икки биллагузук. Сатанг соқол этн. башанг аёлларнинг икки қулоқ орқасидан олдинга солиштириб қўйилган икки тутам соқолсимон сочи. Ичкари уйдан қора атлас кўйлак, қора духобадан узун камзул кийган оқ мишқоли доқа рўмоли у ёқ-бу ёққа ташлаб, икки қулоғи тағидида сатанг соқоли билан бир қарич келадиган марварид зиракни рўмол устидан чиқарган ёшигина хотин чиқиб, тўрага салом берди. Ойдин, Ҳазил эмиш.*

**САТЕЛЛИТ** [р<лат] Бировнинг амри билан иш қилувчи, бировнинг измида бўлган итоатгўй, тобе одам. | Формал жихатдан мустақил бўлган, лекин бошқа давлат амри, хоҳиши билан иш тутадиган давлат, ҳукумат. *Сателлит давлатлар.*

**САТИЛ** I *диал.* Челак, пақир. *Меники Шахрисабздан,— деб лабишўй латтасини сатилда юваётган иккинчи сайис .. гапга қўшилди. Айний, Қуллар.*

2 *айн. кашкул.*

**САТИН** [р<фр] Ипакка ўхшаш ялтироқ ип газлама. *Олма гулли кўрпа-боп сатин. || Сатин белбоғ. — Айлана клуб деорлари широрлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**САТИРА** [р<лат] Ҳаётдаги ярамас ходисаларни, камчилни ва нуқсонларни қаттиқ масхаралайдиган ва қоралайдиган ўткир ҳажвий асар. *Ғофур Ғулом сатиралари.*

**САТИРАНАВИС** [р+ф-т] айн. сатирик.

**САТИРАНАВИСЛИК** Сатирик асар ёзиш.

**САТИРИК** [р] Сатира ёзувчи адиб, сатиранавис.

**САТИРИЧЕСКИЙ** [р сатирический] Сатирага оид, сатира характеридаги; ўткир ҳажвий. *Сатирик роман. — Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ёрқин, тил ўткир ва гўзал сатирик чизиклар бордир,— деди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб.*

**САТР** [а] Босма ёки қўлёзма асар-

нинг ва умуман мактуб, ҳужжат ва ш. к.нинг ҳар бир йўли. *Шеър сатри. Тўрт сатрдан иборат шеър. — Қўйла созим, юрагим, шеърим, Бахт китобин қилгил тарона. Замирида ҳуқуқ, эрк, номус, Ҳар бир сатри олом, дурдона. Ғайратий. Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безамоқ чоғидир умр дафтарин. Ғ. Ғулом.*

**САТРАНЖ** [ф-т<ҳинд] 1 Шаҳматга ўхшаш қадимий ўйин.

2 *эск. айн. шаҳмат. [Маждиддин:] Қўйинг, тақсир, сатранж ҳам жонга теғди, ҳа деб қола бераман. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**САТТА** *рши, диал.* 1 Фақат, нуқул.— *Хукумат сатта етим ва йўқсил болаларни йиғайтипти,— деди қори. П. Турсун, Ҳукумат.*

2 *Ҳа деб, ҳамини.— Умарали сатта ўзини мастликка солиб гапни чағи-тади,— деди Урик домла. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

**САТТОР** [а] 1: ўламан саттор ўлсам ҳам, асло, сира, хеч. *Сора .. онасини уй ичига киришга ундади. Онаси эса ўламан саттор бу уйга кирмайман деб, қизини ўша заҳотиёқ эргаштириб кетмоқчи бўлди. Ё. Ханмов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

2 Саттор (эркаklar исми). **САТЎРН** (С— катта) Қуёш системасининг 6-нчи катта планетаси; Зуҳал, Қайвон.

**САТҲ** [а] 1 Нарсаларнинг устки, беткай томони; юз, бет. *Ер сатҳи. Ҳовли сатҳи. — Шукржон тошининг ёнига тиз чўкиб унинг қуёида чўғдек қизиган ғадир-будир сатҳига лабини босди. О. Ёқубов, Ота изидан. Катта кўлнинг зангор сатҳи қуёш нурида ярқираб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Паром парчалари, кураклари, тахта ва резиналар сув сатҳида сузиб юрарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Балангликлари ўлчашда асос қилиб олинган бошланғич юза, савия. Денеиз сатҳидан минг метр баланд жой. — [Йўлчи] чойхонадан нарироқда, кўча сатҳидан бир оз баланд турган .. кўприк олдида қовун ортган арава тўхтаганини ва деҳқоннинг беҳуда уринишини кўрди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *эск. айн. юз 7. Квадратнинг сатҳи. Доиранинг сатҳи. Сатҳ ўлчовлари.*

**САФ** [а] 1 Ҳарбийларнинг ва умуман кишиларнинг маълум тартибда тизилган мунтазам қатори. *Учбурчак саф. Ёйиқ саф. Саф бўлмоқ (тортмоқ).*

— *Узоқда яна қалин саф билан душман танқалари .. келаятганини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас. — Йиғитлар сараси боряпти,— дейишди одамлар ва бир зарбада оёқ ташлаб, равои илгарилатган сафга ҳаваз билан қараб. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ротанинг кети вагондан тўшмасданок, саф бўлиш ҳақида команда берилди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Мели полвон катта қизил байроқни кўтариб советдан чиқди ва кўчада саф тортиб турган*

одамлар олдида ўтди. П. Турсун, Ҳукумат. Боғнинг қуйи томонида бир чизикда саф торган баланд, адил тераклар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор группа, тўлага мансуб кишилар мажмуи; қатор. *Партия сафларини мустаҳкамламоқ. — Бутун дунёдаги бизаа ўхшаш меҳнаткашлар билан бир сафда урушга қарши тинчлик учун курашмоқ бурчимиздир. Ойбек, Нур қидириб. Коллектив бўлиб кино кўрилгандан кейин, бир-бирига сирдош икки йиғит билан икки қиз сафдан ажралиб қолди. П. Турсун, Ҳукумат. Сафга кирмоқ 1) харбийларнинг, кишиларнинг мунтазам тизилган қаторидан жой олмақ; 2) аъзолигига ўтмоқ. *Партия сафига кирмоқ; 3) кўчма қаторга кирмоқ, ишга тушмоқ. Қун сайин янгидан-янги корхоналар сафга кирмоқда. Сафга ўтмоқ айн. сафга кирмоқ 1, 2. Сафдан чиқмоқ 1) мунтазам қатордан чиқмоқ. Сафдан бир қадам олға чиқмоқ; 2) аъзолдан чиқмоқ; 3) кўчма қатордан чиқмоқ, ишдан чиқмоқ. Эргашевлар окопи ёнида бирданига учта граната портлади. Эргашевнинг жанговар дўстлари сафдан чиқди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.**

**САФАР** I [а] 1 Хизмат билан ёки саёҳат мақсадида бирор ерга бориш; йўл. *Узоқ сафар. Бир ойлик сафар. Одам сафарда бўлилади. Мақол. — Ун беш кун ўтмасдан яна Андижон сафари, яна Ўзбек олимнинг фиғони фалак. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Паризод қумгонда чой қўйди, сафарга жўнатаётган ёрғини уйғотиб чой ичирди-да, кўча эшикка кузатиб қўйди. Х. Аҳророва, Орифининг давлати. Агар мен ҳам сафарга чиқиб кетадиган бўлсам, кўришгунча хайр! Ҳ. Ғулом, Машғал.*

2 Гал, навбат. *Бу сафар бир йўзим бўлсам ҳам зерикмадим. Ойдин, Икки кўзи шунда. Нормасини ҳар сафар Бажаради ошириб, Мусобақадошларини Қўяр эди шошириб, Уйғун. [Муларўзи:] Ундан сўнг айтинг, назрини дурустроққина қилиб берсин. Бу нима? Уч сафардан буён қўппа-қуруқ келади. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

◆ **Сафар қариди қ. қаримок.** *Нариги дунёга сафар қилмоқ ўлмоқ, оламдан ўтмоқ.— Чекканим ғанимат,— деди Али ташанг ямлаиб, .. атрофим нуқул ўлим, ҳозир борман, балки бир минутдан кейин нариги дунёга сафар қиларман. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**САФАР** II [а] 1: сафар ойн қамария йил ҳисобида иккинчи ой номи. *[Мўла-лаўст ўзига-ўзи:] Билмайман, муча-ла тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилибманми? Ҳамза, Майсаранинг иши.*

2 Сафар (эркаklar исми).

◆ **Сафар кочди этн.** хосиятсиз деб ҳисобланган сафар ойининг охирида бирор кампирни жулдуз кийимлар кийдириб қишлоқдан ҳайдаш одати;

бунда гуё қишлоқ бало-сфатлардан сақланар эмиш. Сафар қочди қилмоқ 1) «сафар қочди» маросимини ўтказмоқ; 2) кўчма с. т. умуман қувғин қилмоқ, қувламоқ, махрум этмоқ. [Мулладушт ўз-ўзига:] Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун элиги тўртга кирибманки, иқболим наҳс фалокатдан сира ажрамайди. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**САФАРБАР** [a+ф-т] Жанговар ҳолатга келтирилган, шай. Меҳнат самарасини йиғиши фурсати дея, Водийларга отланди Сафарбар, қаҳрамон халқ. Ғайратий. Кўз илғамас эл ўрмонида, Зўр ўлканинг қайноқ қонида Хукм сурар сафарбар бир ҳол. Қўлингга қурол ол! Ҳ. Олимжон. Сафарбар қилмоқ (ёки этмоқ) 1) жанговар, ишчан ҳолатга келтирмоқ, ишчан, шай ҳолатда муҳим ишга жалб этмоқ, актив равишда ишга солмоқ. [Матбуот] халқни кураш ва ғалабага сафарбар қилаётибди. А. Қаҳҳор, Қўшчино; 2) армия ёки жанговар отряд сафига чақирмоқ. Улар [қурсантлар] кетгач, ўрнига энди сафарбар этилган кишилар келди. Шухрат, Шинелли йиллар. 1916 йили кўпчилик қаторида мен ҳам мардикорликка сафарбар қилиндим. С. Тошхўжаев, Қураш йиллари.

**САФАРБАРЛИК** 1 Армия сафларига чақириб, чақирилиш. Сафарбарлик бошланиб, қишлоқдан йигитлар кетма-кет армияга жўнаб кетдилар. Ж. Шарипов, Саодат.

2 кўчма Жанговар, ишчан, шай ҳолат, шундай ҳолатдаги жанговар, жўшқин иш. Коммунистик қурилишимизнинг барча участкаларида партия чақирмақлари руҳи, зўр сафарбарлик авж олмақда. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 246.

**САФАРБОШИ** Сафарда ҳамроҳларига бошчилик қилувчи киши, сафар қатнашчиларининг бошлиғи. Сафарбоши билан бирга Матвей Владимирович ҳам келган, Самарқандда яқинлари бўлмагани учун шу ҳолида туриши керак эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САФАРДОШ** [a+ф-т] Сафарда бирга бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан), сафардаги ҳамроҳ. [Муҳаммадали] сафардоши Мулла Шокирни кўриши билан юзи ёришиб, ўрнидан туриб ўтирди. М. Осим, Элчилар.

**САФАРЧИ** Сафарга чиққан ёки сафарда бўлган киши, сафар қатнашчиси. Сафарчиларга намунали машиини хизмат кўрсатиш. — Моҳидил кўринишдан қамҳафсала, аммо ичи жўш уриб турган участка бошлиғи билан .. доим худди поездга кеч қолаётгани сафарчидай шошиб-пишиб гапиришишади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САФБАСТА** [a+ф-т] Сафга тизилган, саф тортган; бир сафдаги. Сиз меҳнатда ҳамкор, жангда сафбаста, Сиз эзуликларга тугамас консиз. Уйғун.

**САФБОШИ** Сафда турган ёки бирор

ташқилот сафига уюшган кишиларнинг бошлиғи; йўлбошчи.— Сафбоши оёғини тираб олгандан кейин сафунинг хоҳишига қараб оқади-да,— деди Болтаев Раҳимовга. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**САФДОШ** [a+ф-т] 1 Ҳарбий хизматда бирга, бир сафда бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан). Жангчилар янги сафдошларини ўраб олишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир жабҳада, бир ташқилот сафида биргаликда иш олиб борган, курашган кишилар (бир-бирига нисбатан). В. И. Ленин сафдошлари.

3 Бир ёшдаги кишилар; тенгқурлар, тенгдошлар (бир-бирига нисбатан).

**САФИЛ** [a] эск. кт. 1 Жуда ёмон, ночор, абгор. Биз қиссамизнинг ҳажми сифдирмаганликдан унинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафсилый тўхтаётимиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ярамас, разил, палид, ифлос. Қадрига етмагани бу онинг, Халқ ичинда юзи қаро бўлсин! Ҳам сафил, ҳамда мохов била тенг, Бутун оламга можаро бўлсин! Ҳ. Олимжон.

**САФЛАМОҚ** Сафга тизмоқ, турғизмоқ, саф торттирмоқ. Аскарларни сафламоқ.

**САФЛАНМОҚ** сафламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Отряд сафланди. — Шу вақт команда берилди: — Сафлан! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**САФО** [a] 1 Беғубор тозалик, мусаффолик, софлик. Инсон тугилмоқда — Янги бир одам Кўз очди тонготар сафоси билан. Ж. Жабборов.

2 Хурсандчилик кайфияти, нашьаси, нашьу намо; хузур, гашт. [Гули:] Ғазалким, сўзлағай меҳру вафодин. Ғазалким, сўзлағай ишқдин, сафодин. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Далаларнинг нашьасин Уй ичинг билан сурдинг, Ўз билдишг ўзингдда, Ишрат, сафолар қурдин. Ғайратий.

3 Сафо (эркаклар исми).

**САФОБАХШ** [a+ф-т] поэт. Хурсандчилик кайфияти, хузур бағишловчи, кайф-сафо бахш этувчи; гаштли. Сафобахи боғлар. — Фарғонанинг бинафша ранг тоғларидан эсатган сафобахи елидан тўйиб-тўйиб шимирмадингми ҳали? Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Қайин ўтин чарсиллаб хушбўй ис таратиб, тоза чиройли аланга билан гуриллаб ёнаркан, йигит бутун вужудидда уйқу каби элитувчи, май каби сафобахи тотли ором сезади. Ойбек, Қуёш қораймас.

**САФОГОХ** [a+ф-т] поэт. Хурсандчилик кайфияти, хузур бағишлайдиган, кайф-сафо бахш этадиган жой; гаштли жой. Китъаларни кутиб олган мамлакат, Харитада арслон ёлли СССР, Йўқ қуррада сендай ишнам сафогоҳ Ҳеч қайда йўқ мунча ҳаво, сув ва ер. Шайхзода.

**САФОЙИЛ** [a] Қаландарларнинг дастага ўрнатилган бир неча халқали музыка асбоби. Улар [қаландарлар] сафойилларини жаранглатиб, Машраб

ғазалларини қўшиқ қилиб ўйинга тушиганларида, оломонни бир зумда сеҳрлаб қўярдилар. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

**САФОЛАТ** [a] эск. кт. 1 Жуда ёмон, ночор аҳвол; абгорлик. Сафолатга тушмоқ. — Кўчанинг икки томонида бўғот томли, қинғир-қийиш ҳароб уйлар, ярми қулаган деворлар оқжом қоронғисидан дардли манзара ясади, сафолатдан, йўқчиликдан қўрқинч сукута бўлди, қоронғида аста-аста эриб йўқолади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Ярамас хатти-харакат ёки хулқ-атвор; разиллик, разолат. Ҳаёт оёқларига одат, шариат кийгизган разолат ва сафолат кишиларини парчалаб ташлаётганидан, ҳалигача, ёр кўксига бош қўйиб: «Севаман!» деб айтолгани йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**САФОЛАТЛИ** айн. сафил. Унинг [Тўғонбекнинг] сафолатли кунларида танишиб, хужрасидан жой беран эски қадрдони Алоиддин Машҳадийни пул, кийим билан йўқлаб турарди. Ойбек, Навоий.

**САФОЛИ** Хурсандлик кайфияти, хузур бағишловчи, сафо бахш этувчи; сафобахш, гаштли. Сафоли тун. — Турмуш бой, завқ-шавқли, сафоли эди. Одамлар тинчи ва ҳаловатда яшар эдилар. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**САФОРАТ** [a] эск. кт. Чет элдаги давлат ваколатхонаси, дипломатик вакиллик.

**САФОРАТХОНА** [a+ф-т] эск. кт. Чет элдаги давлат ваколатхонасининг биноси.

**САФОҲАТ** [a] эск. кт. Беақллик, нодонлик, нодонларча хатти-харакат, аҳмоқона иш.

**САФРО** [a] Жигарда ишлаб чиқариладиган сариқ ёки кўкимтир сариқ суюқлик; зарда, ўт. Сафро ташламоқ қуруқ сафро қайт қилмоқ. [Жўрабек] душанба, сешанба кунлари сафро ташлаб руҳи ёришган кишидек анча энгил тортди. Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

◆ Сафроси қайнади айн. зардаси қайнади қ. зарда 3. Инолчиқ Умархўжанинг тил учиддаги тумтаракли сўзига қулоқ соларкан, сафроси қайнар, ер тепиниб, уни сўқшидан ўзини базўр тугтиб турарди. М. Осим, Ўтпор.

**САФСАТА** 1 Бемаъни гап, тағи пуч, асоссиз даъво, назария ва ш. к. Хўш, ўзингча фалсафа деб ўйлаган бу .. сафсата билан нима демоқчисан? М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Исмоил Обидов] муллаваччаларга йигирманчи аср ишларидан эмас, қаёқдаги бўлмағур сафсаталарни ўқитиб, уларнинг миясини заҳарловчи мударрисларни ҳажв қилар экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Қуруқ гап, бекорчи гап. Сафсата сотмоқ 1) бемаъни гаплар гапирмоқ, ёлғон назариялар тўқимоқ; 2) валдирамоқ, вайсамоқ. У [Элибек] ўзининг бошлиқ билан ўтган сўхбатидан но-

рози эди. Ҳақиқатан ҳам, сафсата сотди. А. Мухтор, Тугълиш.

**САФСАТАБОЗ** Сафсатабозликни яхши кўрайдиган, сафсата сотувчи. Сафсатабоз одам. — *Кудрат у [Тешавой] ўйлаганчилик қуруқ сафсатабозлардан эмас экан. Ж. Абдуллахонов, Йўл.*

**САФСАТАБОЗЛИК** 1 Бемаъни гап айтиш, таги пуч, асоссиз даъво қилиш, ёлгон назариялар тўқиш.

2 Қуруқ гап сотиш, валдираш, вайсаш. *Беҳуда сафсатабозлик билан вақт ўтказиш.*

**САФСАТАЧИ** айн. сафсатабоз. Сафсатачи одам.

**САФСАТАЧИЛИК** айн. сафсатабозлик.

**САФҲА** [а] *поэт.* Саҳифа, варақ, бет. Қалами ҳар чоқ учқунлар сочин, Турмуш сафҳасин варақлаб очсин. Ғайратий.

**САХИЙ** [а] 1 Кишидан ҳеч нарчасини аямайдиган; хотам. *Сахий одам || Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер.* Мақол. Сахий билан бахил бир қудуқдан сув ичмас. Мақол. — *Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб ..., кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам — сахий.* «Алломиш». | Кишидан ёрдамни, меҳнатини аямайдиган, кишига ғамхўрлик қиладиган; меҳрибон. Сахий педагог Меҳри опа тарбиялаган ёшларни республикамизнинг ҳамма жойида учратиш мумкин. Н. Улуғжонов, Чироқлар.

2 *кўча* Ҳаётий, зарурий нарсага чексиз бой ва уни инсонга аямай эҳсон этиб турадиган. | Тўкин, мўл. Сахий ер. Сахий ёз. — *Ана йўлнинг иккала бети бўйлаб, сахий қўёш нурини беармон эмиб, ястаниб ётган тоқзорлар орқада қолди. С. Анорбоев, Колхоз кишилари. Урундан қайтган ғолиб отадек Қўни-қўнжи тўлиб сахий куз келди. Ф. Гулом.*

**САХИЙЛИК** сахий с. белеи оти. Сахийлик қилмоқ, — *Қўёш ҳам фалакдек қадимийдир, ер юзига ҳаммиса сахийлик билан нур соцади. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Эртага қиймат деса ишонин мумкин эди-ю, лекин ўлғудай қаттиқлиги, хасислиги билан донг чиқарган Болта кўпасининг ўғлидан бундай сахийлик келишига ишонин мумкин эмасди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**САХОВАТ** [а] Баланд ҳиммат, сахийлик. У пахталарнинг мўллиги учунгина эмас, о, йўқ, буюқ саховатни билан деҳқонни қувонтирган олтин кузни .. кўриб қувонади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кимхобни кийиб олган, домла Ниёз «саховатда Хотамтойдан, адолатда Нўширавони одилдан ортиқроқ у жанобнинг ҳақиқа яна янги дуо ва санолар тўқиди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. Саховат қўлини чўзмоқ* баланд ҳиммат билан ёрдам қўлини узатмоқ, ёрдамга келмоқ. Саховатнинг етти дарвозасини очмоқ баланд ҳиммат билан инъомларга кўймоқ.

**САХОВАТЛИ** Саховатини аямайдиган, ҳиммати баланд; ҳимматли. Саховатли одам. — *Узларининг меҳр чашмалари билан қобил, меҳнатсевар фарзандлар тарбиялаб етиштираётган саховатли ота-оналаримиз озмунчами. В. Маҳкамов, Меҳр тўла оила.*

**САХТИЁН** [ф-т] Эчки ёки қўй терисидан пиширилган чарм. *Бир маҳсиллик сахтиён. || Сахтиён маҳси.* — *Кўнчилар қайиш, сахтиён, шигирин тайёрлаб вофорушларга улгуржи, пойабзал тикадиан косибларга чакана сотадилар. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.*

**САЧОҚ** 1 Гажим, полук, шокила. 2 Отнинг тўпиғи тепасидан осилиб тушган бир тутам соч.

**САЧОҚЛИ** 1 Сачоқ тутилган; гажимли.

2 Оёғида сачоғи бор, оёғи сачоқли (от ҳақида).

**САЧРАМОҚ** 1 Парчаланиб отилмоқ; сочилмоқ (асосан суюқликлар ҳақида). *Балчиққа кесак отма, юзингга сачрайди. Мақол. — Терак бўйи баланддан .. оқиб тушаётган сув харсанг тошларга урилиб сачрайди. С. Анорбоев, Оқсой. Тўғқай чивинлари жон олиб қолганди .. Чаққан жойи бир соатгача ачишиб туради. Қиздирилган ёр сачрагандек бўлиб ишииб чиқади. С. Аҳмад, Уфқ. Кетмон ерга нақ тошага урилгандай тегади. Ер ушалиб, тош парчалари сингари атрофга сачрайди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Кескин ҳаракат қилмоқ. *Иккиси [Офтоб олим ва Қумуш] ҳам сачраб қутидорга қарадилар-да, бирдан сўрадилар. Нима, қандай сир? А. Қодирӣ, Утган кунлар. | Ирғимоқ сакрамоқ. Тўғонбек тоқати тоқ бўлгандек, сачраб ўрнидан турди. Ойбек, Навоӣ. | Тўстандан ўшқириб қолмоқ, сапчимоқ, ташланмоқ. Унинг [онанинг] сачрайдиган, болаларига бақирадиган одати йўқ эди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

◆ **Кўзларидан олов (ёки учқунлар) сачраб кетди** 1) кўзлари оловдек ёнди, ярқиради; 2) кўзларининг олови чиқиб кетди (зарбдан).

**САЧРАТМОҚ** сачрамоқ *фл. орт. н.* *Лой сачратмоқ. — Қаерга борасизлар? Одамларни қаерга бошлаяпсан? — тулугини сачратиб гапира кетди Абдушукур. Ойбек, Қутлуг қон.*

**САЧРАТҚИ** I Ҳаво ранг гулли ўтсимон ўсимлик (илдизидан кофе суррогати тайёрланади, спирт ва қанд олинади).

**САЧРАТҚИ** II *диал.* Баданда, юзда пайдо бўладиган тошма, иссиқлик, гул. *Баъзан симоб каби лақиллаб турган чўр парчалари ера тўкилиб ҳаммага сачраб кетади. Қимнинг қўли, кимнинг оёғи, кимнингдир юзи сачратқи ярадек жароҳатланиб ҳам олади. Ойдин, Бечора.*

**САЪВА** [а] Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ранг-баранг патли сай-

роқи қуш. *Тут шохида саъва хониш қилади. А. Муҳиддин, Ганишер.*

**САЪЙ** [а] Астойдил ҳаракат; ғайрат, тиришиш. *Бу тўғридаги раъйи, ўғлингизга қараганда ҳам, фақирларича, сизларга бўлгани ваҳждан, албатта, кўндиришга саъй ва қўйиш қилурсиз, деб шионамиз. А. Қодирӣ, Утган кунлар.*

**САЪЙ-ҲАРАКАТ** [а] Астойдил ҳаракат; уруниш. *Уста тагин гапини давом эттиради, турмушининг оғирлигидан, саъй-ҳаракатдан гапиради. Ойбек, Болалик.*

**САҚАР** [а] *дин.* Мусулмонларнинг эътиқодини кўра, етти дўзахнинг бири; дўзах. *Паранжи ва чиммат! Тезроқ келган жойингга қайт, Маккага сафар қил, Жойингни сақар қил! Ҳамза.*

**САҚИЧ** Чайнаш учун мум ва арча ширасидан сутда қайнатиб тайёрландиган модда. *Сақич чайнамоқ. — Хуржуи ортилган шашани қишлоқма-қшиқ олдиға солиб юриб: «Фаранги ил, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қиққирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

◆ **Сақич қилиб чайнамоқ** бир гапни ха деб гапиравермоқ, эзмоқ, чайнамоқ. *Авалло одамларнинг оғзига тушма, оғзига тушганингдан кейин, сақич қилиб чайналасан. И. Раҳим, Хангори кема капитани.*

**САҚЛАҒИЧ** *тех.* Турли механизм, асбоб ва ш. к да тасодифий ҳодисалардан сақлаб, хавфсизликни таъминловчи қурълма. *Электр сақлагич. Тўппонча сақлагичини босиб қўймоқ.*

**САҚЛАМОҚ** I Эҳтиёткорлик билан асрамоқ, эҳтиёт қилиб, ардоқлаб қўймоқ; авайлаб нишлатмоқ. *Сақласанг — минг кунлик, сақламасанг — бир кунлик. Мақол. Янгиини эски сақлар. Мақол. — Маҳсини уч кун ҳайитда кийиб, сақлаб қўйгандим, ана уни пуллаб, таг чарм оламиз. Ойбек, Қутлуг қон. Мана, ўшал нафис гулини Китобимда сақладим бир йил. Т. Тўла. Эрта баҳор Абдурашу яна довои ошади. Охири, Янеибозор бойларининг ерларини беш йил экиб, бутун орттирганини «тишининг қаваиди сақлаб» тўплайди-да, бир жийрон қашқа от олади ва доводан сўнги марта от миниб ўтади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Ташқи таъсирдан, айниш, бузилиш-ерилиш, нест-нобуд бўлишдан асрамоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Қадимий обидаларни аслидай сақламоқ. Олмаларни яхши сақламоқ. — Мударриснинг меҳмонхонаси деворлари Абдурахмонни «Бухоройи шариф»да авж олган бузуқликлардан сақлай олмади. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. — Пўст калласини айтайми, — Тантининг сўзини кесди Қора Аҳмад, — мен қизни сақлай олмадим. Ойбек, Қутлуг қон. | Бирор хусусият, кўриниш ёки ҳолатни ўзгартирмас олиб қолмоқ, тутиб турмоқ ёки давом эттирмоқ. *Ўз оғирлигини сақламоқ. Одамлик қиёфасини сақламоқ. Совуқ-***

қонлик сақламоқ. Сукунат сақламоқ. Хурмат сақламоқ. | Бирор мақсад ёки кимса учун олиб қўймоқ, эхтиёт қилмоқ, асрамоқ. Буларни кимга сақлаб қўйибсиз? — Сулуёнинг миясига бир фикр келиб миҳдай санчилиди: отаси энг сўнги кичини фақат қасос учун сақлаб олиб келган. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Ҳимоя қилмоқ, муҳофаза қилмоқ, қўриқламоқ. Давлат чегараларини сақламоқ. Халқларнинг тинчлигини сақламоқ. — Мақсадимиз элни сақлаш, армиям. Ёв устига денгиздай тош, армиям. Фозил шоир. Давлат мулкени, халқ мулкени кўз қорачиғидай сақлашимиз керак! Уйғун, Навбахор. | Халос қилмоқ, қутқармоқ. Улимдан сақламоқ. Ҳалокатдан сақламоқ. — Ботир бўлсанг қўриқлагин шаҳрингни, Хушёрлик омон сақлар ўзингни. «Эрали ва Шерали». Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, «ёмон кўздан сақласин» учун исирки тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йўғлар, гоҳ кулиб, қизларни ўйинга, шўхликка ундар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Бирор ҳаракатдан тўхтатиб қолмоқ, тиймоқ. Қимсани ёмон йўлдан сақламоқ. У кулиб юборишдан ўзини зўрға сақлади.

4 Риоя қилмоқ, амал қилмоқ. Тартиб сақламоқ. Интизом сақламоқ. Уйин қоидаларини сақламоқ.

5 Асрамоқ, боқмоқ, тутмоқ. Хизматчи сақламоқ. Қўш сақламоқ.

◆ Жон сақламоқ қ. жон 3. Қўнгида (ёки дилда, эсда, ичида) сақламоқ 1) ёлда тутмоқ, эсдан чиқармаслик, унутмаслик. Қишилар Ленинни ҳамма вақт дилда сақлайдилар. П. Турсун, Уқитувчи; 2) кимсага айтмай, изхор қилмай, билдирмай юрмоқ. Фельетон босилиб чиққан кун Элмурод учун катта тантана бўлди. Лекин у қувончинини ичида сақлади. П. Турсун, Уқитувчи. Худо сақласин сира, асло, ҳеч. Гапа темирчиликдан худой сақласин, ота-онам темирчи ўтган эмас. А. Қодирий, Утган кунлар. Ўз қўлида сақламоқ ўз қўлида, ихтиёрида, амрида тутиб турмоқ. Қизил байроқни ўз қўлида сақламоқ. Ҳокимиятни ўз қўлида сақламоқ. — Абдуқаримхондан бери ўнлаб хонларга яраб келган ўрдани бузиб, янги ўрда бино қилиши .. рус подшоҳига жонлилик кўрсатиши, .. Фарғонани ўз қўлида сақлаб қолиш учун эди. А. Қодирий, Мехробдан қаён.

САҚЛАНДИ диал. Асраб олинган, асранди. Сақланди қиз. — Сувега ташна Чамбилнинг чўли, Ташналикдан ўлар чўлнинг булбули, Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни, Гўрўғлининг боқма, сақланди ули. «Бўтакўз».

САҚЛАНИШ 1 сақланмоқ фл. иш оти. Материянинг сақланиши қонуни (филос.).

2 Ўз-ўзини ҳимоя қилиш; муҳофаза, ҳимоя. Атом радиациясининг таъсиридан сақланиши. Ёнғиндан сақланиши қондалари.

САҚЛАНМОҚ 1 сақламоқ фл. мажж. н. Тартиб сақлансин! — Ишчи-деҳқонларнинг доҳийси ўзинг, Бир умр сақланар ёдимда сўзинг. Фозил шоир.

2 сақламоқ 2, 3 фл. ўзл. н. Қасалликдан сақланмоқ. Сақланганга бало йўқ, сақланмаса, даво йўқ. Мақол.

САҚЛАТМОҚ сақламоқ фл. орт. н. САҚЛАШМОҚ сақламоқ фл. бирг. н. САҚМОН 1 диал. Сопқон, палақмон.

Сақмон отмоқ.

САҚМОН II Янги туғилган қўзилардан ва она қўилардан тузилган кичик (12—15 бошли) тўда.

САҚМОНЧИ Сақмондаги қўй-қўзиларга қаровчи қўйчивон (қ. сақмон II).

САҚОВ От, эшак ва хачирларда бурнидан сув келиш, жағ ости безларининг шиншуви ва қалтираш билан кечадиган оғир юқумли касаллик.

САҚОҚУШ айн. бирқозон.

САҒАЛ рвш., с. т. Сал, бир оз, андак. Сағал сабр қил. || Сағал дуруст.

САҒАНА [ф-т] с. т. Соғона, мақбара.

САҒИЗ: тов сағиз мураккабгуллиларга мансуб, каучукка бой кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

САҒИР [а] 1 Ҳали вояга етмаган етим.— Десангиз, Ойнахон, ўзи [Мағмуржон] бир сағир бола; ҳеч кими йўқ,— деди меҳмон хотини. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. || Душман кўрсанг, қўймай издан қувлагин, Сағир кўрсанг, анинг кўнглин овлагин. «Эрали ва Шерали». Мадамнин шовқин солди.— Худойқул менинг жигарим, аммадан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб одам қилдим. П. Турсун, Уқитувчи. 2 Ёш бола, кичкина бола. Маҳалла бу хангамадан уйғониб, Эшигига келди сағиру кабир. Муқимий.

САҒИРХОНА [а+ф-т] айн. етим-хона 1. Областда оларга ёрдам берувчи махсус комитет тузилди, .. ота-онасиз қолган болаларни боқиб, тарбиялаш мақсадида сағирхоналар очилди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

САҒРИ 1 От, эшак, қора мол каби ҳайвонларнинг орқа оёқ усти қисми. От сағридан, қўй бағридан. Мақол. — Бек от сағрисиға аччиқ билан қамчи босди. Ҳ. Ғуллом, Мағшал.

2 Гавданнинг думба билан бел ўртасидаги қисми. Итнинг тиши .. сағрима ханжар ургандай ботган эди. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

3 От терисининг дум томон қисмидан тайёрланган кўн, чарм. Қўнчилик корхоналаридан сағри тайёрлаш муҳим ўринни эгаллаган эди. Ф. Озодаев, Саноат. || Қиш-ёз оёғида оғир сағри қави. Махси ҳам минг ямоқ. Ойбек, Қутлуг қон.

САҒРИЧИ Сағри тайёрловчи кўнчи (қ. сағри 3).

САҒАР [а] Ғира-шира тонг ёришган маҳал, тонг пайғи; субҳидам, тонг, азон. Саҳар вақти. Саҳарда йўлга

чиқмоқ. || Қовун есанг саҳар е, саҳар емасанг заҳар е. Мақол. — Саҳар ўрка хўроз уйғонган эрди нозли хобидан. Ғ. Ғуллом. Ёз фасллари деҳқончилик қилади, саҳар кетиб кеч келади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Эрта (ёки тонг, каллаи) Саҳар жуда эрта, тонг отар-отмас. Тонг саҳарда турмоқ. — Мана шундай тўполонда, ҳокимнинг келишига каллаи саҳардан тайёрларлик кўра бошлаган поччангизнинг эшигида ишингиз бошингиздан ошиб-тошиб етган вақтда, .. келибсиз-да, шундоқми? М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Саҳар турмоқ 1) эрта билан барвақт турмоқ; 2) дин. рўза ойи кунларида кечаси туриб саҳарлик қилмоқ.

САҲАРЛАБ рвш. Эрта билан барвақт, эрта тонгда; субҳидамда, азонда. Саҳарлаб турмоқ. — [Ғули:] Саҳарлаб қилмайин одатни қанда, Қириб гулзор аро сайр айлаганда, Жувонмарг гунчани ҳам эсла, ёд эт. Уйғун ва Й. Султон, Навоий. Каллаи саҳарлаб жуда ҳам эрта, барвақт, тонг отмасдан. Соҳиб қори кўриб қолса нима дейди, каллаи саҳарлаб боғимда нима қилиб юрипти бу хотин, демайдимиз? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САҲАРЛИК дин. Рўза ойи кунларида тун ярмидан олпга, тонг отмасдан ейиладиган овқат. Саҳарлик қилмоқ. — Аллақаерда чалинаётган ноғоранинг така-туми .. сурнай садоси ҳаммани саҳарликка уйғотарди. А. Қаххор, Ўтмишдан эртақлар.

САҲАР-МАРДОН [а+ф-т] Жуда ҳам эрта тонг, тонг отар-отмас пайт. Саҳармардонда турмоқ.

САҲАРХЕЗ [а+ф-т] Эрта билан барвақт, саҳарлаб туришга одатланган, саҳарда турувчи, уйғонувчи. Саҳархез одам. — Қизлар ўринге кирганда, саҳархез қампир уйғониб, уйда фикрлаб юра бошлаган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Узоқ-узоқлардан саҳархез хўрозларнинг қичқириғи эшитилди. А. Раҳмат, Дарахт учидидаги байроқ.

САҲБО [а] эск. Қизил вино, шароб. Сенсиз гулу боғ хору саҳро, Қўнглим тиламайди қайфи сабо. Ҳабибий.

САҲВ [а] эск. кт. Йўл қўйилган хато, камчилик. — Мен ҳозир сизга Нодирабегим ғазалларидан ўқиб берман. Саҳв қилсам кечирасиз,— деди Ғулноз бувисига. Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

САҲВ-ХАТО, саҳву хато Камчилик ва хато; камчилик ва хатолар. Йўқ, бойни ўғри е фирибгар демоқчи эмасман. Лекин саҳв-хато бўлиши мумкин. Айний, Қуллар. Агарчи мендан ўтган бўлса, ҳар саҳву хато, дилдор, Кечирсин, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб кетсин. Ҳамза.

САҲИЛ [а] эск. кт. Вазни кам, енгил.

САҲИФА [а] 1 Китоб, дафтар ва ш. к. варағининг ҳар бир томони; бет. Китобнинг бешинчи саҳифаси. — Элмурод ўқиб бўлиб қизарган кўз-

ларини журнал саҳифаларидан оларкан, тингловчилар эркин нафас олиб чуқурлашди.— *Балли-ел* П. Турсун, Уқитувчи. | Варақ бетигадаги текст. *Нотик оила тўғрисида ўз фикрини баён қилганидан кўнга «Хотин ва социализм» деган сўзнинг бир еридан уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан бир ярим саҳифа ўқиб берди.* А. Қаҳҳор, Нутқ. | Газета, журнал ва ш. к.нинг маълум масалага бағишланган ёки бирор умумий мавзу билан боғланган бир бети. *Газетанинг адабиёт саҳифаси. Шеър саҳифаси.* — Аҳмедов саҳифадаги материалларни кўздан кечирган, умумий сарлавҳани товуши чиқариб ўқиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўчма Давомли бутун бир ҳодиса, қает ва ш. к.нинг айрим даври. *Шоир ҳаётининг шонли саҳифалари. Тарих саҳифалари.* — [Йўлчи] .. икки ярим йил ичида кечирган турмушининг баъзи томонларидан маълумот берди, ҳатто бахтсиз сеვისсининг баъзи саҳифаларини ҳам унга очди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**САҲИФАЛАМОҚ полигр.** Терилган текстни саҳифаларга бўлмоқ; верстка қилмоқ. *Машиналар ғириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради.* К. Муҳаммадий.

**САҲИФАЛАНМОҚ** саҳифаламоқ *фл. мажх. н.*

**САҲН** [a] Бирор чекли юза, майдон. *Ҳовли саҳни. Бозор саҳни.* — Саҳнда Ҳаёт онаси билан қолади. Онаси ўчоқ бошида, Ҳаёт эса нима қиларини билмаётгандек, гоҳ у ёққа ўтади, гоҳ бу ёққа. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ям-яшил саҳни билан осмон каби кендир бу боғ, Ерга кўк тушган каби юлдуз қатор минглаб чироқ. Ғ. Ғулом. Икки ёшининг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз юлдуз кўк саҳнининг ера яқинроқ қисмига учиб тушди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**САҲНА** [a] 1 Томошахона, клуб ва ш. к.нинг спектакль қўйиладиган, концерт бериладиган жойи. *Театр саҳнаси. Клуб саҳнаси.* — *Фойе, зал ва саҳна ҳали йиғиштирилмаган, эртаги мажлисга безатилётганлиги шундоқ кўриниб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Театр хизмати, театрдаги фаолият ва умуман театр. *Умрини саҳнага бағишламоқ. Саҳна ҳодимлари. Саҳна асари саҳнада, театрда қўйиш учун белгиланган асар, пьеса.*

2 кўчма Бадий асардаги айрим воқеа, эпизод. *Ҳожи воқеани табибдан эшитган, шунинг учун ҳозирги фожиа саҳнасида ажабланиб турмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**САҲНАБОП** Саҳна учун мос, сахналаштирилиши осон ва фойдали. *Саҳнабоп асар.*

**САҲНАВИЙ** [a] Саҳнага, саҳнадаги фаолиятга оид; саҳна учун мос, характерли бўлган, саҳна учун белги-

ланган. *Обиджон табиатан саҳнавий жозиблага эга эди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. [Нурхон] *ниҳоят, кичик ҳажмдаги саҳна асарларида образларни яратишга жазм этади ва саҳнавий қобилиятларини намойиш қилади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**САҲНАДОШ** [a+ф-т] Бир саҳнада, бир театрда ишлаган ёки бир вақтда театр соҳасида хизмат қилган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Саҳнадош актёрлар.*

**САҲНАЛАШТИРИЛМОҚ** сахналаштирмоқ *фл. мажх. н.* Ойбекнинг «Қўтлуғ қон» романи биринчи бор «Ҳамза» театрида сахналаштирилди.

**САҲНАЛАШТИРМОҚ** 1 Бадий асарни саҳнага қўйиш учун мослаб қайта ишламоқ. *Романи саҳналаштирмоқ.*

2 Саҳнага қўймоқ, постановка қилмоқ. *Янги спектаклни саҳналаштирмоқ.*

**САҲОБА** [a] Муҳаммад пайғамбарни кўрган ва ислом динини қабул қилиб, у билан ислом динини ёйишда қатнашган киши. У [Анвар қори] .. авлиёларнинг ғурбати, саҳобаларнинг фақирлиги ҳақида турли оятлар, ривоятлар келтирди. Ойбек, Улуғ йўл.

◆ **Саҳобаларнинг уйидай** ҳеч параси йўқ, шип-шйдам; фақирона.

**САҲРО** [a] Ўсимлик жуда кам ёки мутлақо йўқ, сувсиз бепоён дашт, биёбон; чўл. *Саҳройи кабир.* — *Тропиклардан унча узоқда бўлмаган ва ёгингарчилик жуда кам бўладиган жойларда саҳролар пайдо бўлади.* «География». Эй, телба, ҳовлиқма, эй жўшқин дарё, Ястанди йўлингда поёнсиз саҳро. Ғайратий.

**САҲРОЙИ** [a] 1 Саҳрода яшайдиган. *Саҳройи халқнинг қишлоқларига от қўйиб минглаб қўйларни йўлга ҳайдашни севади.* Ойбек, Навоий.

2 кўчма с. т. Саҳрода, қишлоқда ўсган; қишлоқи. *Саҳройи болалар шумлиқни билмайди. Уриб-сўқиб ишга солаверасиз.* П. Турсун, Уқитувчи.

**САҲҲОФ** [a] 1 Китобларни муқоваловчи уста; муқовасоз.

2 эск. Китоб сотувчи, китобфуруш. *Саҳҳофлар қатта пул тўлаб, устоз шоирларнинг девонларини унга [Абдусаммада] кўчиртирар ва фойдасига сотар эдилар.* М. Осим, Сехрли сўз. *Саҳҳоф бозор тар.* саҳҳофлар китоб савдоси билан шуғулланган бозор.

**САҲҲОФЛИК** 1 саҳҳоф с. касб оти. *Кейинроқ тўпланган маълумотимга кўра, мулла Назрулло ёшлигида саҳҳофлик қилар экан.* Айний, Эсдаликлар.

2 Бозорда саҳҳофлар ёки уларнинг дўконлари ўрнашган жой, саҳҳофлар растаси. *Наққош бундай китобларни Рағнонинг сўроғи, ялинишига қараб, саҳҳофликдан топиб келтирар, ўқитиб ўзи ҳам эшитишни севар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**СБОР** [p] Пйонерларнинг йиғини.

**СБОРЧИ** [p сборщик] с. т. Солиқ

ёки бозор ҳақи йиғувчи ходим; пат-тачи.

**СВАРКА** [p] *тех.* Металл қисмларини қиздириб ёки эритиб бириктириш, пайвандлаш; пайванд. *Электр сварка. Сварка қилмоқ. Сварка чоки.*

**СВАРКАЧИ** *тех.* Сварка қилувчи ишчи; пайвандчи.

**СВЕТОФОР** [p свет + ерек] Кўча ҳаракатини тартибга солиш учун турли рангдаги сигналлар бериб турадиган электр фонарь. *Автоматик светофор.* — *Узоқдан светофорнинг яшил чироғи кўринди.* Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

**СВЕЧА** [p] 1 *тех.* Ички ёнишли двигателларнинг электр учқун чиқариб ёнилги аралашмасини ёндириб берувчи қисми.— *Свечалардан учқун чиқяптими? — деди Раҳимжон.— Бўлмаса, рўқнаи айлантингиз-чи, кўрайлик.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 *физ.* Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги.

**СВЕЧАЛИ** 1 *тех.* Свечаси бўлган, свеча ўрнатилган.

2 *физ.* Ёруғлик кучи қанчадир свечага тенг бўлган. *Юз свечали электр лампа.*

**СВИТЕР** [p<ингл] Жун ипдан тўқилган тугмасиз иссиқ кийим. *Эшикда Санам кўринди. Устида кўкиш свитер.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**СВОДКА** [p] Бирор ишнинг бориши, планнинг бажарилиши ва ш. к. ҳақидаги кўрсаткичлар маълум тартибда жойлаштирилган ёзма маълумот. *Пахта теримининг бориши ҳақидаги сводка.* — *Мана, икки йилдирки, район планни бажаролмай, област сводкасининг энг охирида қолади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Снегов урушининг бориши тўғрисидаги оператив сводкалар, авиация ва агентура рқведкаларининг сўнги маълумотлари ҳақида ҳам доклад қилди.* Й. Раҳим, Чин мухаббат.

**СЕАНС** [p<фр] 1 Кино ва бошқа томошаларнинг ҳар бир марта кўрсатилиши. *Қиновнинг охириги сеансига бормоқ.* | Бир йўла бир неча тахтада (бир неча киши билан) шахмат, шашка ўйнаш. *Сеанс бермоқ. Ун икки тахтада сеанс ўтказмоқ.*

2 Такрорланадиган бирор ишнинг ҳар бир марта бажарилиши. *Гипноз сеанси.*

**СЕВАРГА** [ф-т] Сув бўйида, ўтлоқларда ўсадиган бедасимон кўп йиллик ўт; ёввойи беда. *Шодмон ҳожи ўтга териб келгунча, Муқимий себарга устида ёнбошлаб завқ-шавқ билан шеър ёза бошлади.* С. Абдулла, Қувғинда.

**СЕВАЛАМОҚ** Майдалаб, эзиб ёки томчйлаб ёғмоқ; шиваламоқ. *Икки кундан бери гоҳ севаляб, гоҳ шиддат билан ёғётган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СЕВАР** 1 *свемоқ фл. сртди.*

2 *кам қўлл. поэт.* Севгили, ёр.

Сенсан севарим, ёруғ жаҳоним, Номуси-орим, танимда жоним. Т. Тўла.

3 Севар (хотин-қизлар исми).

**СЕВГИ** Йигит билан қиз, эр билан хотин ўртасидаги қалбдан берилганлик туйғуси, кайфияти; ишқ, муҳаббат. Севги пулга сотилмас, кўнғил пулга топилмас. Мақол. Севги деган икки кўзда. Мақол. — Муҳаббат унинг [Гулнорнинг] юрагини ҳар кун яна чуқурроқ эгаллаб, дардини кучайтиргач, севгининг чин маъносини тушуна бошлаганди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу оқшоим дарё бўйида. Икки дилдор келар оҳиста. Маст бўладек севги куйида. Т. Тўла. | Бирор меҳр кимса ёки нарсага нисбатан яхрн-садоқат туйғуси; муҳаббат. Ёш онанинг бутун севгиси Орзулари фақат Нурихон. З. Днёр. Вақтим чоғ этган — Ватан севгиси! Қўксим тоғ этган — Ватан севгиси! Ё. Мирза.

**СЕВГИЛИ** 1 Кишининг кўнғил қўйган дилдори; ёр, маъшуқ(а), махбуб(а). Менинг кўз очиб кўрган севгимиз сизсиз, сизни қандай унутман, ҳеч кимга бундай кўнғил қўймаганман, Азизахон! Ишонинг! Т. Расулов, Марҳамат. Утирса ҳам, турса ҳам, ишласа ҳам унинг [Давлатёрнинг] кўз олдида севгилисининг чехраси. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 сфт Севикли, суюкли, севимли. Пошивожонбика билан Холжонбика севгли кичик келин — учинчи хотин Ёқутбикага зўр нафрат билан қарардилар. Ж. Шарипов, Хоразм. Ҳаёт, қулоқлари ёнида севгли оҳанг бирдан янграб кетгандай, шодлик ҳаяжони билан талпинди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЕВГУВЧИ** айн. севувчи. Икки севувчи қалбнинг орзулари, йўлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар .. эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕВДИК** кам қўлл. айн. севгили. Ҳар дилнинг ўзин севдиги, жононаси яхши, Жонона ўзин севдиги девонаси яхши. Ҳамза.

**СЕВДИРМОҚ** севмоқ 1, 2 фл. орт. н. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил. Мақол. — Бировни севдиришга кучимиз етмаса ҳам, севги азобларига бардош беришга кучимиз етади. З. Фатхуллин, Оби ҳаёт.

**СЕВИКЛИ** айн. севгили. Севикли ўртоқ. Севикли ўқитувчи. — Дунёнинг тўрт бурчидан, ўртоқлар, хабарим бор. Чунки менинг севikli Бахтомома китобим бор. Қ. Муҳаммадий. Зебо севиклисининг хаёли билангина яшашни истамас, унга севимли бўлиш ва севшигина кифоя эмас эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СЕВИЛМОҚ** севмоқ фл. мажҳ. н. Севилган ўқитувчи. Севилган китоб. — Энди у бир вақтлардаги Ҳожимов сингари севилиб-суркамас, қари итдай тепилар, урилар, сўкиларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЕВИМЛИ** айн. севгили 2. Анвар ҳар ким учун севимли ва .. барчага ба-

равар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Сиренлар, сиренлар .. ҳар кун эрталаб Деразамни очиб кўраман сизни! Севимли гўдакдай ўпиб, аллалаб Шамол ҳилпиратар япроғингизни. Ҳ. Салоҳ. У [Зебо] севиб, севимли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди. Энди у шу кунгача ҳеч кимни севолмаганидан, тўғриси, севмаганидан ажабланарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СЕВИМСИЗ** Кимса ёмон кўрадиган, севмайдиган. Офтоб ойм учун гўё.. Кумуш .. энди эрига севимсиз, ишдан чиққан ва бурнакка тикилган увададек бўлиб кўрина бошлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**СЕВИНАРЛИ** Севинса арзийдиган; қувонарли. Севинарли натижалар.

**СЕВИНИШМОҚ** севинмоқ фл. бирг. н.

**СЕВИНМОҚ** Хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ, қувонмоқ. Хушхабарни эшитиб севинмоқ. Ичдан севинмоқ. — Шамол зўрайиб, дарахтларни силкитган сари, баргларини осмонга пириллатиб учирган сари, биз севинамиз. Ойбек, Қутлуғ қон. — Ишглама, бекачим, — деди Тўйбека, — биз биламиз .. эрлар севинганда кулсалар, сизга ўхшаш қизлар йиғлайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзида йўқ севинмоқ** жуда ҳам севинмоқ. Анвар капалак ва олтинқўнғизларни гулзорда учуриб юборар, агар улар гулларга қўниб қолсалар, ўзида йўқ севинар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Севинганидан терисига сигмай кетди жуда ҳам севиниб кетди, боши кўкка етди.

**СЕВИНТИРАРЛИ** Кишини севинтира оладиган, севинтирадиган. Севинтирарли жавоб. Севинтирарли натижалар.

**СЕВИНТИРМОҚ** севинмоқ фл. орт. н. Дадам ҳар кун кечқурун ҳар биримизга атаб бирон нарса олиб келар, ҳаммамизни севинтирарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕВИНЧ** Хурсандлик хис-туйғуси; шодлик, қувонч. Иккисининг [Йўлчи билан Гулнорнинг] юрагида севинч ва бахт лим-лим тошган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ойқизнинг кўзларида севинч ўтлари чақнаб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Холанинг кўзидан унинг [Ҳадичахоннинг] елкасига севинч ёшлари томди. Н. Сафаров, Ҳадича Ахророва.

**СЕВИНЧИ** Хушхабар учун бериладиган совға; суюнчи. *Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшинининг боласи югуриб кириб қолди.* — Севинчи беринг бек буви, кенноийм келдила! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Агар сен Йўлчининг боласи бўлсанг эди, мен унга аллақачон сендан хабар берар, ундан севинчи олиб қувонар эдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕВИНЧЛИ** Кишини хурсанд қиладиган, шод этадиган; қувончли. Севинчли хабар. Севинчли кун.

**СЕВИШМОҚ** 1 севмоқ фл. бирг. н. — Кишилар .. ҳатто шундай бир оддий кишилик фазилатидан — севмоқ, севшимоқдан ҳам маҳрум этилган экан, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир-бирини севмоқ. — Йўқ, сира хавотир бўлманг, — деди Элмурод ва самимий такрорлади. — Мен севгини ва севшиганларни ҳурматлайман. Ишонманки, сиз тилагингизга етасиз! П. Турсун, Ўқитувчи.

**СЕВМОҚ** 1 Ишқ-муҳаббат туйғуси билан қалбдан берилмоқ, муҳаббат боғламоқ, яхши кўрмоқ. Сан, оти нима, Гулнорни севсан-а? У ҳам сени севади. Шундайми? — Мисоли Тоҳир-Зухро. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ишқи тушиб қолмоқ, ошиқ, мафтун, шайдо бўлмоқ. — Бундай ваъдани берган бўласин-бўлмасин, — деди энтиқиб Офтоб ойм, — севиб олгандан сўнг, иккинчи уйланиш сўзини ҳам олгиза оламсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Мехр-муҳаббат, садоқат туйғуси билан берилмоқ, яхши кўрмоқ. Ватанни севмоқ. — Мен бу уйда Гулнор опам учун сочим оқаргунча хизмат қилишни истар эдим. У мени туғишган опадан афзал севади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Хуш кўрмоқ, ёқтирмоқ, яхши кўрмоқ. *Музикани севмоқ. Меҳнатни севмоқ. Гулни севган, тиканини ҳам севади. Мақол. — Билинг, севганининг севган гўлисиз. Шунинг учун сизни жондан севман — Сиренлар, сиренлар. Ҳ. Салоҳ. Жини севмайди ёқтирмайди, ёмон кўради. Мингбоши, Содиқ аминни жини севмагани учунми, у бу ерда йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**СЕВУВЧИ** севмоқ фл. ш. оти. *Ўша вақтда у Нигора учун севувчи, эркалатувчи, меҳрибон қада* эди, холос. С. Анорбоев, Оқсой. Тинчликни севувчи ота-оналар, *Ўз йўл-қизларин босар бағрига. И. Муслим.*

**СЕМЕНТ** [р<лат] 1 мат. Доиранин ғўй ва хорда билан чегараланган қисми; шарнинг кесувчи текислик билан ажратилган қисми.

2 анат. Кўп бўғинли жониворларнинг ҳар бир бўғини; бўғин.

**СЕГОҲ** (С — катта) Шашмақом системасидаги тўртинчи мақом номи (қ. шашмақом).

**СЕДАНА** Бир йиллик ўсимлик ва унинг нон бетига сепиладиган хушбўй уруғи.

**СЕДИ** Гана республикасида пул бирлиги.

**СЕЗГИ** 1 Ташқи таъсирни қабул қилиб олиш қобилияти ва шундай таъсирдан олинган хис; билишнинг содда ва бошланғич шакли, босқинчи. *Кўриш сезгиси. Эшитиш сезгиси. Сезги органлари.*

2 Ақл-идрок билан хис этилган, фахланган, пайқалган нарса; туйғу. *Қандайдир узук-юлуқ фикрлар, кўнғилни ғаш қиладиган сезгилар уни чулғаб олди. Ойбек, Қуёш қораймас. 1*



Ички ҳис-туйғу; кечипма. *Шу тўрт-тагина сўзда унинг Ольга Петровнага бўлган бутун севгиси, сезгиси ифода этилган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Элмуроднинг кўнглида энди чолга нисбатан ҳалиги нафрат ўчиб, .. аянча ўқшаи бир сези пайдо бўлди. П. Турсун, Ҳўнтувчи.*

3 Идрок, дид, фаҳм. *Менинг мушоҳадама қараганда, уларда, масалан, бадиий сези анча ўсган. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СЭЗИР** 1 Сезиш қобилияти юксак даражада тараққий этган, ташқи таъсири тез сезадиған. *Сезир нерв. Баданнинг сезир жойи.* | *Ҳидидан, товушидан дарҳол сезадиған. Сезир ит.* ■ *У [Тожибой] энди тулкидек айёр, бўридек сезир бўлиб қолган эди. П. Турсун, Ҳўнтувчи.*

2 Тез фаҳмлаб, пайқаб оладиган; зийрак, ҳушёр. *Сезир одам.* ■ *Аҳмад Хусайн воқеани яширишни истамади. Барибир, унинг сезир дадаси мана ҳозир келиб, бутун сири очиша уни мажбур этади. Ойбек, Нур қидириб.*

3 махс. Озгина фарқи хам сезадиған. *Сезир барометр. Сезир тарози. Сезир фотоаппарат.*

**СЭЗИРЛИҚ** сезир с. белги оти. *Аъзонинг сезирлиги. Барометрнинг сезирлиги. Сезирликни оширмақ.* ■ *Тафтишчининг хатти-ҳаракатларини сезирлик билан кузатиб турган Сергей .. ундан сўради: — Сиз «савод дарси» деб нимани тушунасиз, ўртоқ тафтишчи. Х. Фулом, Машғал.*

**СЭЗИСИЗ** Сезиш қобилиятини, сезгисини йўқотган, сезмайдиған бўлиб қолган; ўлик, жонсиз. *Бармоқларим сезгисиз бўлиб қолибди. Сезгисиз қилиб қўймоқ.*

**СЭЗДИРИЛМОҚ** сездирмоқ фл. мажх. н. *Бу воқеа ҳеч кимга сездирилмади.*

**СЭЗДИРМОҚ** сездирмоқ фл. орт. н. *Воқеани имо-шора билан сездирмоқ. Масъулиятни сездириб қўймоқ.* ■ *Ёрқинийнинг овози титраб кетди. У ёлгон гапиратганини сездириб қўйди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда. Қалай, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдими? Элмурод бу овоздан чўчиб тушиди. Чунки овоз эгаси гўё уни таъқиб қилиб юргандек, орқа томондан, ҳеч сездирмай қўққисдан гапирмоқда эди. П. Турсун, Ҳўнтувчи. Қудратнинг ишида бир нима ағдарилгандек бўлди — юраги шиг этиб кетди. Лекин буни сездирмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**СЭЗИЛАРЛИ** 1 Сезилиши, хис этилиши мумкин бўлган; анчагина катта, кучли, зўр. *Сезиларли туртки.* ■ *Кўёш боғганига анчагина бўлган. Қоронғилик қуюқлаша борар, .. ҳаво баданга сезиларли совир эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўчма *Кўзга кўринарли, ҳисобга олса арзийдиған; арзирли, айтарли. Сезиларли ўзгариш. Сезиларли иш. Сезиларли натижалар.*

**СЭЗИЛАР-СЭЗИЛМАС** Сал-пал сезиладиған, деярли сезилмайдиған, билинмайдиған. *Сезилар-сезилмас кўкиш ранг. Сезилар-сезилмас шабада. Сезилар-сезилмас кулимсираш.* ■ *Дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас фижирлабгина бир одам сифарлик очилди. П. Турсун, Ҳўнтувчи.*

**СЭЗИЛМАС** Унчалик сезилмайдиған, билинмайдиған; яширин. *Сезилмас истеҳзо.*

**СЭЗИЛМОҚ** 1 сездирмоқ фл. мажх. н. *Зилзила юқори қаватларда кучлироқ сезилади. Гаплашиб кетсанг, чарчаганинг хам унча сезилмайди.* ■ *[Отабек Содиқни] босиб тушиши ҳамано аллақайси ери ачишгандек сезилди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. Одатда киши куннинг шундай сезилмай ўтганини яхши кўради. Шўхрат, Шинелли йиллар.*

2 Туйилмоқ, эдек кўринмоқ. *Сўнг, уни бирдан кўрқув босди; гўё, аллақандай яширин кўзлар тевааракдан уларни пойлаб тургандай сезилди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Акс этмоқ, кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ. *Унинг юзида майин табассум, бутун сиймосида қандайдир бир сабрсизлик сезилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.* | *Ўзини кўрсатмоқ, билинмоқ. Қўчаларда аскарлар, ҳар ёқда физиллаған ҳарбий машиналар кўп бўлишига қарамай, бу ерда урушнинг қора ваҳимаси оз сезиларди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

**СЭЗИШ** 1 сездирмоқ фл. иш оти. *Орқани сезиш. Масъулиятни сезиш.*

2 Сезги, сезув. *Сезиш қобилияти. Сезиш органлари.*

**СЭЗИШМОҚ** сездирмоқ фл. бирг. н. *Қора Аҳмад кўришмоқ учун қўлини чўзди, лекин улар қоронгида буни сезишмади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СЭЗМОҚ** 1 Сезги органлари орқали хис этмоқ; туймоқ. *Совуқни сезмоқ.* ■ *Марҳамат юрагининг энг пастиди орқиб сезиб, ўнғайсизланди. Т. Расулов, Марҳамат.*

2 Объектив ёки субъектив ҳолат, ҳодиса ва ш.к.ни ички туйғу ёки ақл-идроқ, тажриба орқали хис этмоқ. *Ўнғайсизлик сезмоқ. Зарурат сезмоқ. Масъулият сезмоқ.* ■ *[Отабек] ўзи ёлғиз қолгандан сўнг.. Ҳасаналига илгаригидан ҳам қуюқроқ.. муҳаббат сездди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. Эркин меҳнатнинг наъшасини сезсин, Мавҳум ва сирли йўллардан безсин. Ҳайратий. Султонов билан сўзлашиб бўлгач, раис ўзини анча енгил сездди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Фаҳмламоқ, пайқамоқ, билмоқ. Отабек Зайнабнинг юзидаги маъосликни биринчи кўришдаёқ сездди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. Фуломжоннинг тикилиб турганини сезгандек, у ҳам чопонини ола туриб, йигитга ер остидан қараб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У йўлай-йўлай, складга етганини сезмай қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бўлажак иш, воқеа, ҳодиса ва ш.к.ни олдиндан*

хис этмоқ, билмоқ, фаҳмламоқ. *Ойқиз Қодиров ҳақида ана шундай ҳаёл сурарди, ана шундай йўларди ва шу билан бирга энди Қодиров билан бошқа фронтда жанг бўлишини ҳам юрагидан сезиб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — Уй ичидан битта-аримтаси сезиб қолмасин, деб жуда ҳавотирда бўлдим.. Ҳайтовур ҳеч қим пайқамабди, — деди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.*

**СЭЗОН** [р] айн. мавсум 1. *Ов сезони. Йиғим-терим сезони.*

**СЭЗОНЛИ** Йилнинг маълум даврида, сезонда бажарилдиған ёки бўладиған; мавсумли, мавсумий. *Сезонли иш.*

**СЭЗУВ** айн. сезиш. *Вақтни сезув. Сезув қобилияти. Сезув органлари.*

**СЭЗУВЧАН** айн. сезгир. *Сезувчан одам. Сезувчан термометр.* ■ *Юрак нозик, сезувчан бўлади. М. Жўра, Изтироб.*

**СЭЗУВЧАНЛИК** сезувчан с. белги оти.

**СЕЙМ** [р<поляк] 1 Польша Ҳалқ Республикасида бир палатадан иборат олий ҳокимият органи.

2 Финляндияда бир палатали қону чикарувчи давлат органи.

**СЕЙСМИК** [р<сейсмический] Ер қимирлашига, зилзилага оид, шу ҳодиса билан боғлиқ бўлган. *Сейсмик силкинишлар.* | *Зилзила кўп бўлиб турадиған. Сейсмик район.* | *Ер қимирлашини ўрганишга оид; ер қимирлашини ўрганадиған махсус асбоблар ёрдамида қайд этиб турадиған. Сейсмик карта.*

**СЕЙСМОГРАММА** [р<грек] Ер қимирлашининг сейсмограф ёрдамида ёзиб олинған графика.

**СЕЙСМОГРАФ** [р<грек] Ер қимирлашини автоматик равишда эгри чизиқ равишда ёзиб олувчи асбоб.

**СЕЙСМОЛОГ** [р<грек] Сейсмология мутахассиси.

**СЕЙСМОЛОГИК** [р сейсмологический] Сейсмологияга оид. *Сейсмологик карта. Сейсмологик тадқиқотлар.*

**СЕЙСМОЛОГИЯ** [р<грек] Геологиянинг ер қимирлашини, зилзилаларни ўрганадиған бўлими. *Японияда зилзила кўп бўлади. Шу сабабли зилзилани ўрганувчи фан — сейсмология ниҳоятда ривожланған. Х. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.*

**СЕЙФ** [р<ингл] Пул, ҳужжат ва бошқа қимматбаҳо нарсалар сақланадиған мустаҳкам шкаф, қути; пулат сандиқ. *Оролов кетгандан кейин, Сергей пўлат сейфи очиб, тергов папкаларини олди, столага тартиб билан териб қўйди. Х. Фулом, Машғал.*

**СЕКАНС** [р<лат] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг берилған бурчакка ёпишган катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

**СЕКИН** рвш 1 Оҳиста ҳаракат билан, аста; охиқмасдан, шовилмасдан. *Секин юрмоқ. Секин шилмамоқ. Эшик секин очилди. Тутун секин тарқалмоқда. Дарё секин оқарди.* ■ *Раёно секин бошини кўтариб кулимсиди ва юзини*

четга *Ҷирди*. А. Қодирий, Мехробдан чаён. У [Аҳмаджон] киргач, хотин бошини *Ҷириб қаради-да*, шу қараганча *қўзлари хиралашиб, секин юмилди*. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Вазминлик билан, ховлиқмасдан, оҳиста. *Секин тушунтирмақ*. — *Агар мен бир бойнинг ўғли бўлсам, Нури мени севса, ота-онасига айтмаганда ҳам, атрофдагиларга секин билдирган бўлар эди*. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қимсага сездирмай, билдирмай. *Матқовул ака секин кулиб чеккадаги одамлар ёнида тўхтади*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирраҳимов ишқовимиз нима дейишимизни, нима қилишимизни билмай қолдик*. Бу ҳол касала қандай таъсир қилди экан, деб секин қарадим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 Эҳтиёткорлик билан, озор бермай, авайлаб. *Яранинг латмасини секин кўчирмақ*. Зиратчани секин олиб ташламақ. — *Нури унинг кўксига қўлини қўйди, бир қўли билан пешанасини секин силади*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Шерғим мени секин туртиб имлади*. Қабулхонага чиқдик. А. Қаҳҳор, Бек.

3 Товуш чиқармай, эшитилар-эшитилмас. — *Секин! Секин гапир!* — *Ҳақимбойвачча лабини тишлади*, — хотинлар эшитса, гап-сўз чувалади. Ойбек, Қутлуғ қон. *Бўтабой буларни олдинга ўтқазиб орқадан юрди ва Самандаровга ёндошиб ундан секин: — Тинчликми? — деб сўради*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Секинлик билан, секин-аста. *Иложсиз қолган деҳқон баҳони секин камайтириб, етти сўмга тушди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕКИН-АСТА** айн. аста-секин. *Секин-аста тушунтирмақ*. *Сўхбат секин-аста қизий бошлади*. — *Қуёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СЕКИНЛАМОҚ** Тезлигини, суръатини пасайтирмақ. *Махсум чўчиган товукдай бўйинини чўзиб, юмалоқ кўзларини катта очиб секинлади ва орқада қолди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Поезд секинлаб, гоҳ тўхтаб, гоҳ жаддалаб қор босган бепеён саҳродан борар эди*. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**СЕКИНЛАНМОҚ** Секинроқ, пастроқ бўлиб қолмоқ. *Қадами секинланди*.

**СЕКИНЛАТМОҚ** 1 секинламоқ фл. орт. н. *Поездни секинлатмоқ*. *Юришни секинлатмоқ*. — *Фотима қадамини бир оз секинлатди*. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Пасайтирмақ, пастроқ туширмақ (овозни, товушни). — *Бу жиҳати сизга кўп ганимат*, — деди маҳдум ва товушини секинлатди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Директор онанинг руҳий ҳолатини сездим, дарҳол унга жой кўрсатиб, радиоприёмникни секинлатди*. А. Екубов, Ш. Шодиев, Топилган қиз.

**СЕКИНЛАШМОҚ** 1 Пасаймоқ, камаймоқ, сусаймоқ (тезлик, суръат

ҳақида). *Поезд секинлашди*. *Иш суръати секинлашди*. — *Фотиманинг қадамлари тўсатдан секинлашди*. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Пасаймоқ, пастроқ тушмоқ (овоз, товуш ҳақида).

**СЕКИНЛАШТИРМОҚ** секинлашмоқ фл. орт. н. *Қадамини секинлаштирмақ*. *Овозни секинлаштирмақ*.

**СЕКИНЛИК** 1 секин с. белги оти. *Харакатнинг секинлиги*. *Суръатнинг секинлиги*. *Товушнинг секинлиги*.

2 Вазминлик, оғирлик. — *Юракни дадил қилинг*, — деди *Тантибойвачча секинлик билан*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Эҳтиёткорлик, оҳисталик. *Секинлик билан тушунтирмақ*.

**СЕКИН-СЕКИН** рвш 1 айн. аста-секин. *Секин-секин юрмақ*. *Секин-секин гапирмақ*. *Секин-секин авж олмақ*. — *Сўбх азони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Тадрижий равишда, даража-бадаража, оз-оздан. *Секин-секин унутмақ*. — *Нури, секин-секин тақдирга тан берган, ҳатто аввалидай бир гапириб, ўн куладиган бир ҳолга келган эсада, ҳар келишда бақуриб кирар эди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕКРЕТ** [р<лат] биол. Секреция безлари ишлаб чиқарадиган моддаларнинг умумий номи (қорин суви, сўлак, ичак суви ва ш.к.).

**СЕКРЕТАРИАТ** [р] 1 Идора, муассаса, қорхона ва ш.к.нинг расмий ёзув-чизув ишлари ва ёзишмаларини олиб борадиган бўлими. *Бош бошқарма секретариати*. *Газета редакциясининг секретариати*. | Шу бўлим ходимлари.

2 Мажлис, конференция, съезд ва ш.к.да протокол ёзиб бориш учун сайланган хайъат. *Конференция секретариати*.

**СЕКРЕТАРЛИК** секретарь с. касб оти. *Секретарлик лавозими*. *Секретарлик қилмоқ*. — *Бу йиғит [Қаримов] колхоз секретари бўлиб келган эди, ўзи далага чиқаман деди*. *Секретарликка Зийдахон деган бир аёлни тайёрлаётимиз*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СЕКРЕТАРЬ** [р<фр] 1 Идора ва муассасаларда ёки лавозимли кишилар, ёзувчилар хузурида ёзув-чизув ишлари ва ёзишмалар олиб борувчи ходим; котиб. *Идора секретари*. *Суд секретари*. *Шахсий секретарь*. — [Хуморхон:] *Нега хўп дедингиз, секретарингиз касалхонда, доклады сизга ким ёзиб беради?* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

2 Идора, муассаса ва ш.к.нинг секретариатига раҳбарлик қилувчи ходим. *Газета редакциясининг секретари*. *Илмий секретарь* илмий текшириш муассасаларида кундалик ишга раҳбарлик қилувчи масъул ходим.

3 Мажлисида протокол ёзиб бориш учун президиумга сайланган шахс. *Мажлис секретари*.

4 Баъзи ташкилотларда, хусусан партия ташкилотларида сайлаб қўйила-

диган раҳбар ходим. *Партия комитетининг секретари*.

◆ **Давлат секретари** АҚШ ташқи ишлар министрининг номи.

**СЕКРЕЦИЯ** [р<лат] биол. Организмда безлардан секрет ажралиб чиқиш ҳодисаси ва процесси. *Ички секреция*. *Ташқи секреция*.

**СЕКТА** [р<лат] 1 дин. *Мазҳаб, маслак*.

2 *қўйма* Манфаатлари билан чекланиб қолган, фикрлари билан кўпчиликдан ажралган кишиларнинг тор группаси.

**СЕКТАНТ** [р] 1 дин. Бирор диний мазҳабга мансуб киши.

2 *қўйма* Секта тарафдори ёки қатнашчиси (қ. секта 2).

**СЕКТАНТЧИЛИК** Тор гуруҳ, секта манфаатлари билан чекланиб, кўпчиликка қарши бориш, кўпчиликдан ажралоши.

**СЕКТОР** [р<лат] 1 мат. Доиранинг ёй ва икки радиус билан чекланган қисми ва шу шаклдаги нарса. *Сектор юзини ўлчамоқ*.

2 Яхлит бир территориянинг маълум радиус ва чегаралар билан чекланган қисми. *Мудофаа сектори*. *Чилонзорнинг еттинчи сектори*.

3 Баъзи идора ва муассасаларнинг бўлими. *Қадрлар сектори*. *Луғат сектори*.

4 Халқ хўжалигининг муайян иқтисодий ва ижтимоий белгилари билан ажралиб турадиган соҳаси. *Хусусий сектор*. *Давлат сектори*. *Колхоз сектори*.

**СЕКУНД** [р секунда<лат] 1 Минутнинг олтинчидан бир улушига тенг вақт ўлчов бирлиги. *Бир нечи секунд вақт*. *Секунд стрелкаси*. *Вақтни секунд билан ўлчамоқ*. — *У севгилисини кўргиси келар, ҳар секунд, ҳар минут хаёли билан ёр қошида бўлар .. эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Жуда оз вақт; ан, пайт*. *Очилнинг энг яқин мақсади анигини билиш, маҳдумликдан қутулиш бўлагани учун дастлабки секундларда «заб билдим» деб ичида асабий кулиб қўйди*. П. Қодиров, Уч ил-диз.

2 мат. Бурчак градусининг уч минг олти юздан бир улушига тенг бурчак ўлчов бирлиги.

**СЕКУНДАНТ** [р<лат] 1 тар. Дуэль қатнашчиларидан ҳар бир рақибнинг воситачиси ва гувоҳи.

2 Боксда, шахмат каби ўйинларда кураш бошланиши олдида, танаффус вақтларида ва кураш тугагандан кейин ўйинчига хизмат кўрсатувчи шахс.

**СЕКУНДЛИ** 1 Секунд узунлигидаги, секунд давом этадиган. *Беш секундлик сукунат*. | *Жуда оз давом этадиган, бир онли*. *Секундли иш*.

2 мат. Секунд қатталигидаги, секунд билан ўлчанадиган. *39 градуc 25 секундли бурчак*.

**СЕКУНДОМЕР** [р] *Жуда қисқа вақт* оралгини секундлар билан ўлчайдиган соатсимон асбоб.



**СЕКЦИОН** [р секционный] 1 Секциялари бўлган; секцияли. Секцион инкубатор.

2 Секциялар бўйича ўтказиладиган. Конференциянинг секцион мажлислари.

**СЕКЦИЯ** [р<лат] 1 Баъзи корхона, идора, ташкилот, жамият ва ш.к.нинг алоҳида бўлими. Магазиннинг тайёр кийимлар секцияси. Олий Совет Думий комиссиясининг соғлиқни сақлаш секцияси. Спорт клубининг шахмат секцияси. — [Алижон] парашютчилар секцияси ташкил қилингандан бери эртаю кеч аэродромда, ёшларни самолётдан сакратгани-сакратган. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

2 Съезд, конференция, кенгаш ва ш.к.да айрим масалаларни муҳокама қилувчи мутахассис делегатлар гуруҳи. Конференциянинг имло ва нутқ маданияти секцияси. Терминология секцияси. Кенгашнинг ялпи ва секция мажлислари.

3 Бино, иншоот, машина, механизм, ускуна, асбоб ва ш.к.нинг маънада бир участкаси, бўлими ёки қисми. Бино секциялари. Трубопровод секцияси.

**СЕЛ** [а] 1 Шиддатли ёмғир, жала. Чоршанба кунини бир қишлоққа ўтган ёдим, сел ёғиб, ҳамма ёқни сув босиб кетди. «Латифалар».

2 Тоғли районларда шиддатли ёмғирдан, жаладан ёки қор эришидан ҳосил бўладиган кучли сув оқими. Тўхтаб қолди сойларнинг Маевж урган шўх селлари. Ғайратий. Сел олди ёки сел ювиб кетди сел келиб бузиб-ёриб, вайрон қилиб кетди. Қишлоқни сел олди. — Сел ювиб кетган.. тақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида ғижирларди. Айний, Қуллар. | кўйма Кучли оқим. Яна бир лаҳзадан кейин қуёш мўралади-ю, олдин узоқдаги тепаликка, кейин пастроққа, ниҳоят, дарёга нур селини кўйди. О. Ёқубов, Тоғ кўзи. Утқир қуёш сели ҳамма ёқни, худди олов денгиздай ўз гирдобига фарқ қилиб, мисдай қидирмоқда. Ҳ. Назир, Номин чиқмаган хотин.

3 Ғўштнинг суви, қони. Сели билан қовурилган жиеар. — Ҳа, мулла ака, қулинг ўргилсин кабоб бор, ейсизми? Сели жизиллаб турибди. Ойбек, Улуғ йўл.

◆ **Сел бўлиб оқмоқ айн. сел бўлмоқ** 2. Нафас бўғилар, тер сел бўлиб оқарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сел бўлмоқ** 1) завқланиб роҳат қилмоқ, эримоқ. — Дутор чалганимда [Сулаймон] сел бўлиб ўтиради,— деди Меҳри опа. А. Эшоннов, Дутор; 2) дув-дув оқмоқ. Отанг сўрагани Булғор эл бўлди, Қўздан ёшинг оқиб нега сел бўлди, Йиғламанлар, икковинга на бўлди? «Эрли ва Шерали». Сел қилмоқ завқлантирмоқ, эритиб юбормоқ. Болтабой, суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса одамни сел қиладиған, аскияда пайрөвдан чиқмайдиған йигит эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**СЕЛЛАВА** [ф-т<а] 1 с. т. Селоб.

2 айн. сел 3. Селласи оқиб турган ғўшт.

3 с. т. Турли ичкиликлар аралашмаси.

**СЕЛГИМОҚ** Суви, нами қочиб бир қадар қуримоқ. Тол орқасидан аста шамол кўтарилди, ерлар селгий бошлади. Ойдин, Ширин келди.— Ҳечқиси йўқ, [костюмни] илиб қўйдим, бир оз селгисин, дазмол билан қурийдим,— деди Нодира Қомилжонга. У. Назаров, Биринчи мактуб.

**СЕЛГИТМОҚ** селгимок фл. орт. н. Ивитиланган чиғитни селгитиб эмкоқ.

**СЕЛЁДҚА** [р] с. т. Тузланган ёки дудланган сельдь балиғи. Чолнинг хотини.. тарелкада юпқа қирқилган нон, иккита селёдка, бир оз шакар олиб келиб, ўртага қўйди-да, чой келтиргани чиқиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СЕЛЁКЦИОН** [р селекционный] Селекцияга оид; селекция иши билан шуғулланидиган. Селекция станция. Селекция йўли билан ҳосил қилинган. Бугдойнинг селекция навлари.

**СЕЛЁКЦИОНЁР** [р] Селекция иши билан шуғулланувчи; селекциячи. Республика селеционерлари.. машина теримига мослаштирилган юқори ҳосилли ғўза навларини вужудга келтириши соҳасида иш олиб бормоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 146.

**СЕЛЁКЦИЯ** [р<лат] Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликларнинг мавжуд нав ва зотларини яхшилаш, янги нав ва зотларини етиштириш. Шу ҳақдаги фан. Бизда селекция иши тузук ташкил қилинган, дон ва бошқа экинларнинг кўпгина янги навлари етиштирилган. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 3 октябрь.

**СЕЛЁКЦИЯЧИ** айн. селеционер. Мен кекса селекциячи бўлишим сабабли, ёш укаларимни муваффақият билан табриклайман. Мирмуҳсин, Умид.

**СЕЛЁКЦИЯЧИЛИК** Селекция иши ва илми. У [Дадабоев] қўлида тўлиб-тошиб турган ғўза чаногини олиб, йиғиланларга кўрсатди: Вилт бу навага яқинлашмайди, бу ҳозирги ёнги яхши нав, селекциячилигимизнинг муваффақияти. Мирмуҳсин, Умид.

**СЕЛЁН** [р<грек] Химиявий элемент, металл хусусиятига эга бўлган кул ранг модда.

**СЕЛЙТРА** [р<лат] Азот кислота-сининг натрий, калий ёки аммонийли тузи (техникада ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади). Аммиакли селитра.

**СЕЛКИЛЛАМОҚ** У ён-бу ён чайқалмоқ, тебранмоқ, қимирламоқ, силкинмоқ. Селкиллаган соқол. Онда селкиллаб бормоқ. — Чўлпонойнинг бада-нида Селкиллайди қўш олмаси. Эргаш шоир. Қўшоқнинг бу киноясиغا Жаниш селкиллаб кўлди ва қўлини ўтга тутиб жавоб қилди. Ҳ. Шамс, Душман. | Ҳилпилламоқ, хилирамоқ. Кечагина дашт қозонда қовжираб қовурилган бу борса келмас ерлар шу

хўжалик қаҳрамонларининг оғир, босим меҳнати билан ғўзалари селкиллаб.. турган бўстонга айланди. М. Исмоилий, Икки қиз хикояси.

**СЕЛКИЛЛАТМОҚ** селкилламоқ фл. орт. н. Соқолини селкилламоқ. — Ҳа, шоир, ўз ёғинда қовурилган санми,— деб қах-қах уриб кўлди, вемиз гавдасини селкилламоқ [Шерназарбой] Ж. Шарипов, Хоразм.

**СЕЛЮБ** [а+ф-т] 1 Сел суви; сел сувлари.

2 диал. Тожқин; сел.

◆ **Селоб** ёш ёки кўз селоби дур-дур ёш. Оқ урганда қўздан оқар селоб ёш, Золим билан ҳаризз бўлманлар айлобим. «Алломиш».

**СЕЛЮН** Сидирга рангли астарбоб арзон шоҳи. Ипакдан бахмалу шоҳи банорас, Жузжунча ҳам селюну ҳар хил атлас. Ғ. Фулом.

**СЕЛПИМОҚ** Силтамоқ; силкитмоқ. Агар паровоз қаттиқ селиб тўхтамаганда, бобо яна анча ухлар эди. Ё. Шукуров, Бобо Тошкентда. Сулаймон ака уста Баҳромни селиб қичқирди: — Қўйоринг! Қўйоринг, дейман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЕЛПИНМОҚ** Кескин ҳаракат қилмоқ; силтанмоқ, силкинмоқ. Ҳамма ёқда одамлар селпиниб, норозилик билдира бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЕЛХОНА** [а+ф-т] Сел сувларини оқишиш учун қурилган махсус узан ёки шу мақсад учун молланган жар, сой.— Модомики, сел хавфи борми, селхона бўлиши лозим. Сел ҳар йил бир томондан, бир издан келади.— деди Чўлбобо. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

**СЕЛЪДЬ** [р] Одатда тузланган ёки дудланган ҳолда овқат учун истеъмол қилинадиган денгиз балиғи. Аст-рахань сельди. Окван сельди.

**СЕЛЪМАГ** [р] с. т. Қишлоқ магазини.

**СЕЛЪМАШ** [р]: сельмаш заводи с. т. қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи.

**СЕЛЪПО** [р] с. т. 1 Қишлоқ матлубот жамияти ва унинг магазини. Сельпога бахмал келди, Бўлиб олинг колхозлар. «Фольклор».

2 Қишлоқ матлубот жамиятининг раиси.— Ҳей, менга қаранг,— деди Ёқутойим шиддат билан ойнага терс ўйрилиб.— Салимадан қатим кам? Қунора театрга тушишармиш. Унинг эри сельпо бўлса, менинг эрим кимсан— раис! С. Анорбоев, Оқсой.

**СЕЛЬСОВЁТ** [р] с. т. 1 Қишлоқ совети ва унинг биноси. Сельсоветга бормоқ. — Сельсовет Найманга кўчиб, унинг биноси колхозга идора қилинди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Қишлоқ советининг раиси. Сидикжон .. бостирмада турган Зиёдахондан имо билан «бу киши ким?» деб сўради. Зиёдахон ҳовучини оғзининг бир томонига қўйиб «сельсоветимиз ўртоқ Самандаров» деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СЕМАНТИК** [р семантический] лингв. Семантикага, маънога оид. *Сўзнинг семантик чегараси. Семантик анализ.*

**СЕМАНТИКА** [р<грек] лингв. 1 Маъно (сўз, ибора, грамматик форма ва ш.к. маъноси). *Сўзнинг семантикаси.*

2 айн. семаслология.

**СЕМАСИОЛОГИЯ** [р семасиологический] Семасиологияга оид. *Семасиология тадқиқот.*

**СЕМАСИОЛОГИЯ** [р<грек] лингв. Тилшуносликнинг сўз ва иборалар маъносини ва уларнинг ўзгаришларини ўрганувчи бўлими.

**СЕМАФОР** [р<грек] Темир йўлда станцияга яқин жойга ўрнатиладиган ва ранг-баранг чироқлари воситасида йўлнинг очиклиги ёки берклиги ҳақида сигнал бериб турадиган электр фонарь. *Вокзал қўнғирғоғи поезд станцияга яқинлашганидан дарак берди, кўзлар семафорнинг кўк чирғоғига қадалиб қолди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**СЕМЁСТР** [р<лат] Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида ўқув йилининг ярми. *Биринчи семестр. Иккинчи семестр. Семестр имтиҳонлари.*

**СЕМИЗ 1** Эт қўйиб тўлишган, тўладан келган; тўла. *Семиз одам.* — Бурчакда индамай букчайиб ўтирган бояги семиз қаддини ростлади-да, қаттиқ пишшиллаб гапга аралашди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мингбоши яқтак барларини очиб ташлаб елтина бошлади, семиз баданидан қўланас тер ҳиди анқир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хотини ўрнидан туриб: — Шошманг, бу ҳали биринчи қалдирғоч .. деди-да сўзини эрига маъқуллагани учун ғурурланиб, семиз, катта оёқларини дадил босиб қўрган томонга жўнади. Ойбек, Қутлуғ қон. || Саккиз меҳмон ичиди иккиси бениҳоят семиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Хом семиз** семиз, аммо беқувват, касалманд. *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хом семиз ҳоким формасининг кўкрак тўғмаларини ечиб ташлаб елтиншига тутунди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Боқув натижасида эт қўйган; этли; бўрдоқи. *Семиз қўй.* — Сувонжон августнинг охирларида ўрмон хўжалиги пунктига келди. Унинг қўлида тўртта семиз қаклиги бор эди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 қ. х. Ўсимлик учун фойдали моддаларга бой, серхосил (ер ҳақида). Янги очилган ва қониб-қониб сув ичган семиз ерларнинг нариги томонида поёнсиз чўл ястаниб ётарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 с. т. Йўғон, қалин. *Семиз китоб.* — Эни бир ярим, бўйи икки қарич чамаси келадиган ва юпқа қоғозга босилган ана шу газетанинг устига қора, семиз ҳарфлар билан: «Туркистон виллоятининг газетаси» деб ёзилган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Семиз ўт** суғориладиган ерларда ўсувчи поясида оқ сўтсимон модда бўладиган бир йиллик бегона ўт.

**СЕМИЗАК** Семиз ўтларга мансуб,

тоғли жойларда ўсадиган бир йиллик ўсимлик.

**СЕМИЗЛИК** семиз с. белги оти.— *Қаранг, бу йлғурни,— болдоқли хотин қошини чимириб, ёнида семизликдан пишшиллаб ўтирган аёлга қаради,— чой олиб кир десам, ҳали ўтинхонада ивирсиб юрибди.* С. Зуннунова, Гулхан. **Семизликни қўй кўтаради** босар-тусарини билмай қолган одамга нисбатан айтиладиган ибора. У [Мирза-рахмат] бир вақтлар катта-катта ўринларга кўтарилди. Семизликни қўй кўтаради деганларидай, ҳовлиқиб хотин қўйиб, хотин олиб, урилди. С. Абдулла, Мирзағафлат.

**СЕМИНАР** [р<лат] 1 Олий ўқув юртиларида студентларнинг бирор тема юзасидан ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган машғулоти. «Адабиётда ижобий образ» темасига бағишланган семинар.

2 Бирор нарсага махсус тайёрланиш ёки малака ошириш учун ўтказиладиган группавий машғулоти. *Врачлар семинари.*

**СЕМИНАРИСТ** [р] Семинария ўқувчиси.

**СЕМИНАРИЯ** [р<лат] 1 тар. Революциядан илгариги Россияда ўрта педагогика ўқув юрти.

2 Ўрта диний ўқув юрти.

**СЕМИРМОҚ 1** Эт олиб йўғон тортмоқ; тўлишмоқ. *Дам олиб анча семирбисиз. Неча килограмм семирдингиз? — Камбагал уруғ-аймоқ, қўни-қўшинилар, тўйида, азида семирадиган юримсак аёллар қоронғида туртиниб пийда жўнашди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бир терининг ичиди қўй неча марта семирб, неча марта озади** киши ҳаётда доимо бирдек туравермайди, кишининг куни гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлади, деган маънода ишлатиладиган мақол.— *Бир терининг ичиди қўй неча марта озиб, неча марта семиради,— деди салмоқланиб бой, кишининг бошига ёмон кунлар ҳам келади, кўнши керак бунга.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 қўйма с. т. Каплаймоқ, қалин, йўғон тортмоқ, шишмоқ. *Портфель семирб боряпти.*

**СЕМИРТИРИЛМОҚ** семиртирмоқ фл. мажр. н. Семиртирилган қўйлар.

**СЕМИРТИРМОҚ 1** семирмоқ фл. орт. н. Ҳамённи семиртирмоқ.

2 Боқиб эт олдирмоқ; бўрдоқи қилмоқ. *Отни семиртирмоқ. Қўйларни семиртирмоқ.*

3 Фойдали моддаларга бойитмоқ, фойдали моддаларга бойитиб серхосил қилмоқ (ерни). *Пахтакор ҳам, ғаллакор ҳам — умуман ҳар бир дехқон, чорва молларини бўрдоқига боққандек, ерни «семиртириш» .. санъатини билиб олсин.* М. Аҳмедов, Колхозда химия кечаси.

**СЕМИТ** қ. семитлар. *Семит тиллари.*

**СЕМИТИК** [р семитический] Семитларга оид; сомиёй. *Семитик тиллар.*

**СЕМИТЛАР** айн. сомиёйлар.

**СЕМИТОЛОГ** [р] Семитология олими, мутахассиси.

**СЕМИТОЛОГИЯ** [р] Семитларнинг (сомийларнинг) тиллари ва маданиятини ўрганувчи фан; сомиёшунослик.

**СЕМОН** [р цемент] с. т. Цемент. *Юқори навли семон. Семон заводи.* || *Семон кўприк.*

**СЕМУРҒ** [ф-т] Ўзбек халқ эртақларида афсонавий катта қуш. *Семурғ йўланиб қолди, Қалбини шафқат олди.* Х. Олимжон.

**СЕН** (қ. к. сенинг, т. к. сени) киш. олми 2-ш. бирл. 1 Ўзидан кичик, яқин кишига мурожаатда ишлатилади. *Сен билан мен. Сендан хурсандман. Бу гапни биринчи сендан эшиттишим.* — *Сен вазифанени бажарвер, қўрқма. Сенга ҳеч қандай ишқаст етмайди. Сенинг таниннга ўқ ҳам ботмайди, найза ҳам.* А. Қаҳҳор, Бос тепкини. 2 (қўл. ф-да) с. т. Кўнчиликка мурожаатда дағаллик ёки менсимасликни билдиради.— *Маъни? — Кўзини олайтирди Соли.— Маънини сенларга бердим, экиб қўйларинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Сен е — мен е** (ёки **сен же — мен же**) қолганини тоғта ташла овқат ҳамма учун етарли, ҳатто ортиб қоладиган даражада кўп бўлган ҳолда айтиладиган ибора. *Сену менга бормоқ айн. сен-менга бормоқ қ. сен-мен.* *Худди шу масала устида Тожибой билан Абдурашул орасида жанжал чиқиб иккови сену менга бориб қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. (**Ҳан**) **сеними!** «вақти келиб бир адабингни бериб қўяман», «кунингни кўрсатаман» маъносидати пўписани билдиради.— *Қўраман, кирмаганингени,— деди Бўтабой отланайтиб,— шу қилганиннга, сеними!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СЕНАТ** [р<лат] 1 Қадимги Рим давлатида: олий ҳокимият органи. 2 Революциядан илгариги Россияда: олий суд вазифанени бажарган ва ҳукумат аппаратининг иши устидан назорат қилиб турган орган.

3 Баъзи капиталистик мамлакатларда: парламентнинг юқори палатаси.

**СЕНАТОР** [р] Сенат аъзоси.

**СЕНИКИ** сен с. эғалик олми 2-ш.

бирл. Сенга қарашли, сенга тегишли. *Олим бўлсанг, олам сеники.* Мақол.

**СЕНИКИ-МЕНИКИ:** **сеники-меники** йўқ ўзиникини қизганиш йўқ, ҳамма нарса ўртада баҳам кўрилади. *Студентлар жуда иноқ, уларда сеники-меники йўқ. Сеники-меники қилмоқ* у сеники, бу меники деб нарса талашмоқ, ўзиникини қизганмоқ.

**СЕНИНГЧА** рви Сенинг фикрингча, ўйлашингча. *Сенингча ким ҳақ, ким ноҳақ?*

**СЕНКА I** [р синька] с. т. Синька. *Қирни сенкага босқан.*

**СЕНКА II** [р сеянка], **сенка ун** кепаксиз тоза ун.

**СЕНКАЛАМОҚ** с. т. Сенкага босмоқ, сенкали сувга ботирмоқ. *Қирни сенкаламоқ.*

**СЕН-МЕН:** сен-менга бормоқ қаттиқ айтишмоқ, уришмоқ, ҳақоратлашмоқ. Арзимаган нарсага сен-менга бориб қолишди. **Сен-мен бўлмоқ** (ёки қилмоқ) айв. сен-менга бормоқ. Жаҳл келганда ақл қоцади, деганлари шу-да, анча сен-мен бўлиб олдик. Яхши иш бўлмади. **Ф.** Насриддинов, Қўнғил.— *Узингиз биласиз,— деди Тожибой, ўзимга яраша обрўйим бор. Инди уларнинг орасига кириб «сен-мен» қилиб ўтирсам тўғрими?* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**СЕНСАЦИОН** [р сенсационный] Сенсациядан иборат бўлган, сенсацияга, шов-шувларга сабаб бўладиган, қутилмаган ва хайратли. Сенсацион хабарлар. — Луқмончанинг эсига тушган янги сенсацион маълумот диққатини яна бошқа ёққа олиб кетди. А. Муҳтор, Туғилиш.

**СЕНСАЦИЯ** [р<лат] Қутилмаган хайратли ҳодиса ва шундай ҳодиса натижасида туғилган кучли таассурот, ҳаяжон ва шов-шувлар.

**СЕНСИРАМОҚ** Қимсага бетакаллуф, «сен»лаб гапирмоқ. Аҳмаджон қисмга янги келган кунни бу йигит тўғри унинг олдига келди-ю, тўсатдан: — Қаерликсан? — деб сўради. Ҳўздан кичик бу йигитнинг сенсиргани Аҳмаджонга малол келди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Полк командири .. Йўлдошни ўзига яқин олиб сенсирай бошлагани, тагин аллақандай сифатлари билан ёш лейтенантнинг дарҳол ўзига қаратиб олди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**СЕНСИРАШМОҚ** 1 сенсиромоқ *фл.* бирг. н. Улар ҳаммани сенсирашади.

2 Бир-бирини сенсиромоқ, ўзаро бетакаллуф, бир-бирини «сен»лаб гаплашмоқ. Саидий унинг .. вилоят судининг бош терговчиси билан сенсиратишиб, ҳазиллашиб ўтирганини кўрганидан кейин.. деган натижага келди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**СЕНТИМЕНТАЛ** [р сентиментальный] 1 Сентиментализмга оид, сентиментализмга асосланган, сентиментализм руҳи, ғоялари билан суғорилган. Сентиментал роман.

2 Кўнгли бўш, кўнгилян, ҳаддан ташқари ҳассос ва йиғлоқ. Сентиментал аёл.

**СЕНТИМЕНТАЛИЗМ** [р<фр] 1 18 асрнинг охирлари, 19 асрнинг бошларида пайдо бўлган адабий оқим (унинг характерли, хусусиятлари — кўнгилянлик, ҳаддан ташқари ҳиссиётга берилиш, йиғлоқлик, чучалликдир).

2 Кўнгли бўшлик, кўнгилянлик, ортқи даражада ҳассослик, йиғлоқлик. **СЕНТЯБРЬ** [р<лат] Янгича йил ҳисобида тўққизинчи ой. *Бешинчи сентябрь. Сентябрь ойи. Сентябрь пленуми.* — Сентябрьнинг бошларида полк ғарбага томон йўл олди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**СЕНЧА** *рви* Сен каби, сендек, сенчалик. Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров, «лаббай» дейман. А. Қодирий, Обид кетмон.

**СЕНЧАЛИК** Сен билан бирдек, сен каби; сенча. Шуларнинг [ота-оналар, ака-укаларнинг] ҳам меҳри-муҳаббати бордир. Шулар ҳам соғинишар дейман? Ё сенчалик соғинишмасмикан? А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**СЕП** *этн.* Қиз узатишда унга ота-онаси томонидан бериб юбориладиган мол, бисот. Шу замонда олтмиш норни чўқтириб. Орта берди Барчин сулув сепини. «Алпомиш». **Сеп ёзмоқ** (ёки ёймоқ) 1) келиннинг молини ёйиб кўз-кўз қилмоқ, тўйхонани ясамоқ. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Мақол. — *Ҳовли саҳнига, айвонларга «сеп» ёйилди. «Сеп»нинг бойлиги, тури, ранг-баранглиги ҳаммани ҳангеманг этди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўчма бойлигини тўкиб солмоқ, кўз-кўз қилмоқ, кўрсатмоқ. *Ўзбекистоннинг жўйқин, шўх баҳори чўлга гул ва кўкат сепини ёйган.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**СЕПАРА** [ф-т] Қоп-қанор тикишда ишлатиладиган уч қиррали йўғон игна. Сепара билан қоп тикмоқ.

**СЕПАРАТ** [р сепаратный] *сиёс.* Манфаатдор томонлар билан келишмай қилнган, бир томонлама. Сепарат сулҳ.

**СЕПАРАТИЗМ** [р<лат] *сиёс.* Ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш. *Қопенгагендаги халқаро конгресс сепаратизмни бир оғиздан қоралади.* В. И. Ленин, Россиядаги сепаратистлар ва Австриядаги сепаратистлар. | Буржуа давлатларида майда миллатларнинг ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишга қаратилган ҳаракати. *Ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги тарафдорларини .. сепаратизмга йўл очиб берувчилар деб айблаш риёкорликдир.* В. И. Ленин, Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.

**СЕПАРАТОР** [р<лат] Суюқ ёки қаттиқ жисмлар составидаги аралашмани ажратувчи аппаратларнинг умумий номи. *Сут сепаратори. Ҳалла тозалайдиган сепаратор.*

**СЕПИЛМОҚ** сепмоқ *фл. мажҳ. н.* Ҳовлига сув сепилди. Далага уруғ сепилди. Шўрвага мурч сепилди. — *Кўкка юлдузларнинг олтин ғунчалари сепила бошлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**СЕПИЛУВЧАН** кам қўл. айв. *сочилувчан.*

**СЕПИШМОҚ** сепмоқ 1, 2, 3 *фл. бирг. н.* Бир-бирига сув сепишмоқ. Сирпанчиқ ерга кум сепишди.

**СЕККИЛ** Кўпинча юзда, баъзан баланда бўладиган холсимон сариқ-малла доғлар. Юзини майда сепкил босган бир аёл кенг енгларини ҳилпиллатиб ўйинга тушиб кетди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Унинг қаршисида .. юзидаги сепкили ва чап қўлги ёнидаги холи ўзига ярашган бола, кўк кўзларини шод жилмайтириб турарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. || *Муҳиддин халфа узун бўйли, сепкил башарали .. бир киши бўлиб, доим тасбеҳ ўеириб ўти-*

*рар .. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**СЕПКИЛДОР** Сепкили бўлган, сепкил босган; сепкилли. Сепкилдор хотин. — *Болалар .. сийрақлашиб, охири сепкилдор боли қолади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Шодимат .. сепкилдор, лўппи юзи тараққайлаб кулди-да, «Бормисан, ошна?» деб .. [Мусаевага] ўна қўлини узатди.* А. Муҳиддин, Ошнalar.

**СЕПКИЛЛИ** айв. сепкилдор. Сепкилли юз. — *Энди хотирни жам қил, Арқаш,— деди ёнидаги қизгич сочили, сепкилли йигит қўйнисига кўз қисиб.* Ҳ. Аҳмар, Қим хақ?

**СЕПЛАМА** Наридан-бери, эплаб-сеплаб, амал-тақал қилиб ясалган, ишланган; ҳийлаки. Сеплама этик.

**СЕПЛАМОҚ** Наридан-бери ясамоқ, қилмоқ, эплаб-сеплаб, амал-тақал қилиб тўриламоқ. *Оз бўлса, эплаб кўр; кўп бўлса, сеплаб кўр.* Мақол.

**СЕПЛИ** Сепи мўл бўлган, бой. Сепли қиз.

**СЕПМА** айв. *сочма* 1. Уруғни сепма қилиб экмоқ.

**СЕПМОҚ** 1 Суюқликни кукунлатиб, майдалаб ёки ёйиб бирор нарса бетига урмоқ, сочмоқ. *Юзга атир сепмоқ. — [Асрорқул] атрофга сув сепиб, сунага жўй қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Ермат челақ билан иривага .. сув сепди. Сўнг, яхшилаб супурди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Тўйбека .. совуқ сув келтириб Қумушнинг манглиг ва кўксига сепейн эди, сесканиб ўзига келди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Майда зарра, кукун холидаги нарсаларни бирор нарса бетига бир текисда сочмоқ. *Овқатга мурч сепмоқ. Гўштага туз сепмоқ. — Табиб қўй жигарини хом каюб қилиб, булжғун сепиб, енг деган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 қ. х. Бир текисда тарқатиб сочмоқ, экмоқ. *Бугдой сепмоқ. Меҳнат қилмай роҳат кўрмас, уруғ сепмай экин ўрмас.* Мақол. — *Моҳир деҳқон Умурзоқ ота дон сепарди. Алақул дон таширди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | *Сочиб ташламоқ, сочиб бермоқ, солмоқ. Товуқларга дон сепмоқ.*

4 кўчма Таратмоқ, ёймоқ, сочмоқ. *Май қўши нурини аямай сепмоқда. Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атрларини ҳар ёққа сепди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Ёғдирмоқ, сочмоқ. Автоматлар, пулемётлар тўхтовсиз ўқ сепди. Миналар ҳар қадама тушиб, ерни ғажий бошлади.* Ойбек, Кўеш қораймас.

◆ **Сув сепмоқ** (дард, алам ва ш.к.га) тасалли бериб, юпатиб ёки алаҳситиб, юрагидаги дардини юмшатмоқ; совутмоқ. *Гапга хотима бермай, бошқа тарафлардан ҳам камчиликлар топиб, асосли суратда қутидорнинг Отабекка томон ҳароратланаётган юрагига сув сепмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Сув сепгандай** (жим, жимжит) ниҳоятда тинч, сокин, Ҳамма

ёқ сув сепгандай. — Сув сепгандай жимжит. Онда-сонда полиз атрофидан бедананинг ширали овози келади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ярасига туз сепмоқ** гап ёки бирор иш-ҳаракат билан дардини, аламини кучайтирмоқ. *Болам, шу муштипар, шу бахтсиз она-нинг ярасига туз сепмасанг, юрак бағрини қон қилмасанг, даданг келтирган хабарни айтаман.* Ойбек, Кутлуг қон. **Утга керосин сепмоқ** гап ёки бирор иш-ҳаракат билан бирор ҳолни кучайтирмоқ, мас. кимсаннинг дард-аламини янада оширмоқ, тутақширмоқ. *Қодирқул.. турқини бузмай, яна Ҳасан ақанинг ўтиса керосин сепди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

**СЕПОЯ** [ф-т] 1 Уч оёқли асбоб, уч оёқ. *Тўламат мўлаов чўнқайиб ўтириб, учта калтакнинг бошини бириктириб тарази осадиган сепя қилиши билан овоза.* С. Анорбоев, Оксой.

2 Дарё, сой ва каналларни бўғиш ёки қирғоқни сув ювишдан, тошқиндан сақлаш учун учта ходадан (учлари бириктириб) ясалган махсус уч оёқли қурилма. *Сепоячилар дарёнинг ўртасига сепоялар ўрнатдилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**СЕПОЯЧИ** Сепоя тўсиқлар ясовчи ва ўрнатувчи мутахассис. *Латифжон.. сепоячилар ичиди дам кўриниб, дам кўринмай ишлаётган тенгдош дўсти Борис Ешқовга тез-тез кўз ташлаб қўяр.. эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**СЕПСИЗ** Сепи бўлмаган, сепи йўқ. *Сепсиз қиз.*

**СЕПСИЛМОҚ** диал. Пасаймоқ, товсилмоқ. *Қор ҳамон майдалаб ёғар, одамлар қатнови ҳам энди хийла сепсимилиб қолган.* Ф. Насриддинов, Дилдор.

**СЕПСИМОҚ** диал. Сепсилмоқ, товсилмоқ. *Бўрон бир оз сепсимаган эди, қир настидан яна қуюқ тўзон кўтарилди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

**СЁПСИС** [р<грек] мед. Қонга ўтган микроблар туфайли бугун организмнинг касалланиши, заҳарланиши.

**СЕПТИРИЛМОҚ** септирмоқ фл. мажҳ. н. Кўчаларга сув септирилди. *Уруғ қалин септирилди.*

**СЕПТИРМОҚ** сепмоқ 1, 2, 3 фл. орт. н. Ҳовузнинг бўйидаги супада дарахтларнинг кўланкасида, атрофда сувни қалин септириб, Салимбойвачча ётар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

**СЕР** [ф-т] Отлардан сифат ясовчи олд қўшимча, мас. *серсув, серҳосил, сернунм.*

**СЕРАВЖ** 1 муз. Авжи кўп, кўп авжли. *Серавж ашула.*

2 Яхши ривожланган, авж олган; етук. *Яхши ишланган, озикдан тирилган гўзалар серавж, ёппасига шонага кирмоқда.*

**СЕРАЖИН** Ажнини кўп, ажин босган; бурушиқ. *Пўлатжон кўзини юмиб, меҳрибон онасининг серажин нуруний юзини кўз олдига келтирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг қошилари чи-*

*мирилиб, серажин манглайи тагин ҳам тиришди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**СЕРБ** қ. серблар. *Серб тили.* || *Серб аёл.*

**СЕРБАР** Эни катта; энли, кенг. *Сербар чит.* — *Почтаев ўрнидан туриб, сербар камарини тузати-нда, томоқ қириб ўзидан хабар берди.* А. Мухтор, Тугилиш.

**СЕРБАРАҚА** Баракаси кўп, сермахсул, баракали. *Сербарақа овқат.* *Сербарақа меҳнат.* *Сербарақа йил.* — *Шоҳанишоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимизга ошиқ бўлган.. Шу сербарақа юртим унга керак бўлиб қолган.* М. Осим, Тўмарис.

**СЕРБАРГ** Барги кўп, барги қалин, қуюқ, зич. *Бир текис ўсган сершоҳ, сербарг дарахтлар ойни қора девордай тўсиб турар, сўқмоқ зимзиё эди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**СЕРБЕЗАК** Безаги, ҳашами кўп, серхашам, ортиқ даражада безакдор. *Баланд, сербезак шифтда, олтин суви югуртирилган қучли занжирда катта-кон қандил ҳисобсиз чироқлари билан гавҳардай товланиб турар эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**СЕРБЛАР** Югославиянинг шимоли-ғарб қисмида яшовчи жанубий славянларга мансуб халқ.

**СЕРБОЛА** Бола-чақаси кўп; серфарзанд. *Уй бекаси бомбадан қулоғи хийла кар бўлган, юм-юмалоқ, сергап, сербола аёл эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**СЕРБОШОҚ** Бошоғи кўп. | Кўп бошоқ чиқарган ёки чиқарадиган. *Сербобошқ бўғдой.*

**СЕРБУРМА** Бурмаси кўп, кўп бурмали. *Сербурма юбка.*

**СЕРБУТОҚ** Бутоғи кўп, бутоқлаб кетган. *Сербутуқ шоҳ.* — *У эмаклаб сербутуқ қора қайин тагига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СЕРБҮЁК** 1 Бўёғи кўп, меъеридан ортиқ ёки ранг-баранг бўёқ берилган. *Сербўёқ расм.*

2 Кўчма Бадийи воситалардан, бўёқлардан фойдаланиб безатилган; бўёқдор. *Сербўёқ тавсиф.*

**СЕРВАНТ** [р<фр] Идиш-оёқ, сочиқ, дастурхон ва ш. к. қўйиладиган пастак буфет.

**СЕРВИЗ** [р<фр] Маълум миқдорда китига мўлжалланган идиш-оёқ комплекти. *Олти кишилик чой сервиси.*

**СЕРВИҚОР** Виқор билан тўлиб тошган, гоят виқорли. *Сервиқор, қуруқ олифта.* *Сервиқор тоғлар.* — *Бекис мазмундор, серфайз, сервиқор.* *Таърифга сиғмовчи ҳар бир онимиз.* Т. Йўлдош.

**СЕРГАК** 1 Тез, дарҳол сезадиган; сезгир, зийрак, хушёр. *Сергак соқчи.* *Сергак бўлмоқ.* — *Кийикдек сергагу, хушёр чавандоз, Қадам кўйганда тоғлар қилган овоз.* Ҳабибий. [Мадамин:] *Мана бу дарё бўйида, тўқай ичига, Наманган йўлига сергак болалардан қўйинлар.* К. Яшин, Йўлчи юлдуз. *Постада доим сергак тур ўғлим, Хуш-*

*ёрликни Ленин ўраган.* Ғайратий. *Етоғи чўл, ёстиғи — тоғ ёки гумбаз қоя; Тун бўйи ётар сергак, манглайда юлдузи.* Ҳ. Пўлат. || *Бу гапни эшитиб ҳамма бирдан сергак тортди.* З. Дўстматов, Ёқут.

2 Тез фаҳмлаб, билиб оладиган, фаҳми ўткир; зийрак. *Мактабдошлари орасида Бегижон интизомли ва сергак бўлганидан ўқитувчилари бошқа болаларни у билан тенглашишга чақирар эди.* Н. Сафаров, Севги.

**СЕРГАКЛАНМОҚ** Хушёр тормоқ, зийрак, сергак бўлмоқ. | Хушга келмоқ. *Дам қаттиқроқ, дам сустроқ эшитилаётган бу шовқиндан бировлар ваҳимага тушиди, бировлар ҳайрон бўлди, бировлар сергакланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳмонларнинг мастликлари, кайфлари бирдан тарқалган, улар бир онда сергакланган эдилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

**СЕРГАКЛИК** сергак с. белиги оти. *Унда талант билан бирга интилиш, ҳаракат ва сергаклик бор.* Ҳ. Фулом, Талант ва маҳорат. *Тўлқинжон Хури-нинг сўзларини зўр диққат ва сергаклик билан тинглади.* Ф. Мусажонов, Хури.

**СЕРГАП** 1 Кўп гапирадиган, гапдан оғзи тинмайдиган. *Сергап хотин.* — *Дада, энди сизга унча ярашмайди, — деди Зайнаб койинган, лекин ҳазилсимон товғи билан, — ичсангиз жуда сергап бўлиб қоласиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 салб. Қуруқ гап, сафсата сотишни яхши кўрадиган, қуруқ гапни кўп гапирадиган; гап чайнайдиغان. *Бизда ҳам сергап, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп-у, лекин амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 салб. Донм ғингшиб юрадиган, жаврақи, вайсақи.

**СЕРГАПЛИК** сергап с. белиги оти.

**СЕРГУЛ** 1 Гули кўп, ғиж-ғиж гуллаган ёки гуллайдиган. *Сергул дарахт.* — *Урик бу йил мисли кўрилмаган даражада сергул бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Гули, нақши кўп, кўп гул, нақш солинган ёки тикилган. *Сергул дўппи.* — *Саломатхон белигача тушиб турган сочларини сергул қийиқча билан боғлаб қўйибди.* С. Қодиров, Қанотлар.

**СЕРГУШТ** 1 Гушти кўп, кўп гушт солинган. *Сергушт ийрва.* — *Сергушт бўғдой шавласининг хушбўй ҳиди анқиб, одамнинг димоғига уради.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 Этли, йўғон, семиз. *Элмурод унинг [Мадаминнинг] ҳаракатларига беихтиёр разм солиб ўтирди.* Назарида, *сергушт чўтир юзи таранг, эллик ёшлар чамасидаги бу одамнинг вазоҳати заҳарли кўринди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Эти қалин, этли, сер эт. *Сергушт шифтоли.*

**СЕРДАРОМАД** Даромади кўп, кўп даромад келтирадиган. *Сердаромад иш-*

**СЕРДАСТУРХОН** [ф-т] Дастурхон мекмонлар учун доим очиқ; тўкин дастурхонли, мекмондўст. *Сердастурхон одам. Сердастурхон халқ.*

**СЕРДАХМАЗА** Дахмазаси, ташвиши кўп; серташвиш. *Сердахмаза ши.*

**СЕРДАҒДАҒА** Бўлар бўлмасга дағдага қилаверадиган, дағдагани яхши кўрадиган, ҳаддан ортиқ дағдағали. *Терлаб пишган, сержаҳл, сердағдага, Стеклов бақириб-чақириб, сўкиш ва ёйқ билан вазиятни тушунтирди. Ойбек, Куёш қораймас.*

**СЕРДИҚҚАТ** 1 Кўп диққат талаб қиладиган, ортиқ даражада диққатли. *Сердиққат ши.* — Турмуш сердиққат, қулишиб; ҳазиллашиб турмасанг бўлмайди, — дейди уста. Ойбек, Болалик.

2 Ишга ортиқ диққат билан қарайдиган, жиддий. *Хунармандлар ўртасида ажойиб истеғодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп.* Ойбек, Навоий. || Қошларининг бир-бирига туташиб кетганлиги ва ўта қалинлиги уни [Пўлатни] ҳамини қовоғи солиқ, сердиққат ва жиддий қилиб кўрсатарди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**СЕРЕНАДА** [р<итал] 1 Ўрта асрларда Италия ва Испанияда маъшуқа шарафига, одатда машуқа деразаси ёнида айтылган кўшиқ.

2 Чолғу ансамбли учун ёзилган, сюитага ўхшаш музика асари. *Операда қаҳрамонни тасвирлаш учун ариядан ташқари кичик вокал формалари: кўшиқ, романс, .. серенада ҳам киритилди.* Х. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.

**СЕРЁМҒИР** Ёмғир кўп ёққан ёки ёғадиган. *Серёмғир ерлар. Серёмғир куз.* || Борди-ю, кўклам серёмғир келгудек бўлса, ер тез етилмайди, экин кечикиб кетади. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**СЕРЁҒ** Ёғи, мойи кўп; кўп ёғ, мой берадиган. *Серёғ гўшт. Серёғ кунжут.* | Ёғ меъёридан ортиқ солинган, ҳаддан ташқари ёғли. *Серёғ ош.*

**СЕРЁҒИН** Ёғингарчилик кўп бўлган ёки бўладиган; қор-ёмғир кўп ёққан ёки ёғадиган. *Серёғин жойлар. Серёғин кун.* || Баҳор серёғин келди, лекин чигит вақтида ташланди, текис ундирилди. Й. Шамшаров, Олтин куз. *Баҳор кези бу ерлар серёғин бўлади, тоғ ва қирларга тушган ёмғир суви жилгаларни тўлғазиб шу қишлоққа томон оқади.* Й. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**СЕРЖАНЖАЛ** 1 Жанжал кўп бўлиб турадиган, ҳаддан ташқари жанжалли. *Сержанжал уйда барака йўқ. Мақол.*

2 Бўлар-бўлмасга жанжал қилаверадиган, ҳаддан ташқари жанжалкаш. *Сержанжал одам.*

**СЕРЖАНТ** [р<фр] Совет армияси ва милициясида кичик командирларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган киши. *Кичик сержант.*

*Гвардиячи сержант.* — Мурзин билан яна икки жангни йўлда қилиб кетди, уларни олиб келишга бир сержант ёзвод командирининг буйруғи билан қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СЕРЖАҲЛ** Салга жахли чиқаверадиган, жаҳли тез, ҳаддан ташқари жаҳлдор. *Сержаҳл одам.* || Биринчи қарашда у гоёт жиддий, ҳатто биринчи сержаҳл кўринарди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**СЕРЖИЛВА** 1 Ранг-баранг тусда товланиб, жилваланиб турадиган, жилва қиладиган, гоёт жилвали. *Сержилва атлас.* — [Мияссар] соҳибжамол келинлар уйини бозорчи ранго-ранг, сержилва палаклар, бежирим сўзаналарга қанчадан-қанча кўз нуруни, қалб кўрини сарф этган. Э. Охунова, Аламли севги.

2 Кўча Ранг-баранг оҳангда тусланувчи; жилвали, ўйноқи. *Ўзбек муסיқаси мутлақо ўзига хос, оҳангдор, сержилва, ўйноқи муסיқадир.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 ай. *серишва.*

**СЕРЖОН** Қарамоғидаги оила аъзолари, бола-чақаси кўп; аёлманд. — *Аҳмаджон ака бўлса бизнинг отамиздек бўлиб қолган. Уларни сержон бўлсалар ҳам, битта нон топсалар биз билан баҳам кўришган, — деди Самар. М. Қориев, Ойдин кечалар.*

**СЕРЖУН** 1 Жуни кўп, кўп жун берадиган. *Сержун қўйлар.* | Жуни кўп, жун босган. Икки тиззасига сержун билакларини қўйиб, ..ўй суратган кекса киши — уста Замон. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Жун ипи кўп, кўпроқ жун ип қўшиб тўқилган. *Сержун газмол.*

**СЕРЗАВҚ** 1 Кишига катта завқ бағишлайдиган, завқни оширадиган, гоёт завқли. *Серзавқ музика.* — *Кравцова ажабланди: Наҳотки шу енгил, унчалик серзавқ бўлмаган шу куй унга ёққан бўлса?* Шухрат, Шинелли йиллар. *Яна баҳор келди, келди гул ёйиб, Табиат оромбахш, серзавқ ажойиб.* Нурбек.

2 Эстетик лаззат хисси кучли, эстетик лаззат бағишловчи нарсалардан катта завқ оладиган; гоёт завқли. *Серзавқ шиनावанда.* || *Қирқта жўраси бор. Ҳаммаси серзавқ, юраги ўтли одамлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕРЗАРДА** Бўлар-бўлмасга зарда қилаверадиган, зардаси, жаҳли тез. *Серзарда одам.* || *Ҳожни мени юпатгандай бўлиб: — Укам ўзи шунақа серзардароқ .. деди. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. Йигит серзарда бўлиши, йиқилса ер тишлаб туриши керак.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЕРИЛДИЗ** Илдизи гоёт кўп, илдиз отиб, илдизи тармоқланиб кетган. *Серилдиз дарахт.* || — *Тўнқалар жуда ҳам чатоқ, серилдиз экан. «Энди бўлди», деганингизда тағидан яна битта йўғон илдиз чиқиб қолади, — деди Шум бола. Ғ. Гулом, Шум бола.* | Илдиз босган, ҳамма ёғи илдиз. *Полковникнинг сами-*

*ий мақтовидан жангчилар бир-бирларига қараб, қулиб қўйишди ва серилдиз ерни тагин ҳам гайрат билан қўпора бошлашди.* Х. Гулом, Тошкентликлар.

**СЕРИШВА** 1 Ҳаддан ортиқ ишвагар, иоз-ишва қилаверишини яхши кўрадиган; гоёт ишвали. *Серишва қиз.* || *Сари Ниезова ҳаммага маълум. Сочлари оқариб, бетлари ажин босган бўлишига қарамай, баъзи ёш қизлардай серишва.* Н. Фозилов, Ой йўл.

2 кам қўл. *Ай. сержилва 1, 2.* Бутун дала бахмал поёндоз, Лотачи қаршилар тоғлар, Гула тўлиб серишва, серноз, Унинг кўнелини хушлайди боғлар. Х. Олимжон.

**СЕРИЯ** [р<лат] 1 Бир хил, бир турдаги ёки умумий белгилари, хусусиятлари жиҳатидан узаро узвий боғлиқ бўлган, бир-бирига ўхшаб кетадиган бир қатор нарсалар. *Оммабоп брошюралар серияси.*

2 тех. Бир йўла, бир нуسخада ишлаб чиқарилган буюм, маҳсулот. *Телевизорларнинг янги серияси.*

3 Қимматбахо қоғоз, пул, облигация ва бошқа хужжат ва ш.к.нинг харф ёки рақам билан группалаб белгиланган хар бир айрим группаси. *Лотерей билетининг бешинчи серияси.*

4 Давомли кинофильмларнинг хар бир мустақил бўлаги. *Кинофильмнинг иккинчи серияси.*

**СЕРИЯЛАБ** рөш Серияларга бўлиб, серия-серия қилиб. *Машиналарни сериялаб ишлаб чиқармоқ.*

**СЕРИЯЛИ** 1 Серияларга бўлиган, сериялаб чиқариладиган ёки чиқарилган. *Серияли маҳсулот. Уч серияли кинофильм.*

2 Бирор серияга мансуб бўлган. *«СУ» серияли паровоз.*

**СЕРКА** 1 Бичилган эркак эчки, ахта така. *Қўрққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб, .. соқолини селкилатганича таққа тўхтади. С. Анорбоев, Оксей.*

2 кўча с. т. Йўл бошловчи. *Инсон даҳосининг, инсон ақлининг Тўнғич сайёраси, эркаси ўша. Қўкни забт этувчи ракеталарнинг Йўл бошлаб бергани, — «серкаси ўша. Уйғун. — Серка подани қаёққа бошласа, шу ёққа кета беради, билдингизми? — деди Алимқулбек сардорга. Мирмуҳсин, Туңги чақмоқлар.*

**СЕРКЕПАК** Кепаги кўп, кепаги меъёридан ортиқ. *Серкепак ун.*

**СЕРКЎСАК** Кўсаги кўп, кўп кўсак туккан ёки тугадиган. *Серкўсак ўйза.*

**СЕРМАЗМУН** Мазмун жиҳатидан бой, чуқур мазмунли. *Сермазмун доклад. Сермазмун асар.* — *Ўзини пахта устаси деб юрган баъзи кишилар Саодатнинг сермазмун лекциясини эшитиб ҳайрон бўлиб қолдилар. Ж. Шарипов, Саодат.*

**СЕРМАШАҚҚАТ** Машаққати кўп, гоёт машаққатли. *Сермашаққат ши.* — *Бир неча йилдан буён пахтачиликда*

ишлайман. Лекин ўтган йилдагидек сермашаққат ва айни вақтда сербарака йилни эслай олмайман. О. Камолова, Баракали йил. || Заргарликдек хуноб иш бўлмас дердим, буларники яна сермашаққат экан. Ойбек, Навой.

**СЕРМАЪНО** Маъно жиҳатидан бой, гоёт маъноли. *Сермаъно гап. Сермаъно қараш.* — Эҳсон ундан [Саидийдан] чиройли, сермаъно хат кутади, чунки, у Саидийга бўлажак шоир, деб қарар эди. А. Қаххор, Сароб.

**СЕРМАҲСУЛ** 1 Маҳсули кўп, кўп маҳсул берадиган, гоёт маҳсулдор. *Сермаҳсул мол.* || *Шуни биллиб қўйки, ёлғиз.. боқилган қўй семиз, сермаҳсул бўлмайди* С. Абдуқаххор, Олтин водийларни кезганди.

2 Унуми кўп, гоёт самарали, унумли, унумдор. *Сермаҳсул ижодий иш.*

**СЕРМЕВА** 1 Меваси кўп, кўп мева қиладиган. *Сермева дарахт. Урикнинг сермева навлари.*

2 Мева дарахти кўп, мевага, мева дарахтига бой. *Сермева боғ.*

**СЕРМЕҲМОН** Меҳмони кўп, меҳмонни кўп қақирадиган, уйдан меҳмон аримайдиган, меҳмондўст. *Сермеҳмон хонадон. Сермеҳмон халқ.*

**СЕРМЕҲНАТ** 1 Меҳнати кўп, кўп меҳнат талаб қиладиган. *Сермеҳнат экин.* — Чорва иши, ўғлим, жуда сермеҳнат иш. С. Абдуқаххор, Олтин водийларни кезганди.

2 Кўп меҳнат қиладиган, гоёт меҳнаткаш. *Сермеҳнат илмий ходим.*

**СЕРМОЙ** айн. *серёғ.* *Сермой кунжут. Сермой ош.*

**СЕРМОЛ** 1 Моли, мол-дунёси, сепи кўп. *Сермол қиз.*

2 Чорваси, чорва моли кўп. *Сермол қолхоз.*

3 Моли, товари кўп. Тишдан қараганда вски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**СЕРМУЛОЗАМАТ** [ф-т+а] Мулозаматни, такаллуфни яхши кўрадиган ва ўрнига қўядиган, гоёт мулозаматли; сертакаллуф. *Сермулозамат одам.*

— *Жалолхон сермулозамат.. йигит кўринади, у дарвор жойини бўшашиб, Муҳиддинни таклиф қилди, ўзи чамадон устига ўлтирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. || *Қосимов ўзини одатдайдан сермулозамат тутишга, Шермат отага нисбатан яқин ва меҳрибон кўринишга ҳаракат қилар эди.* Х. Нуъмон, Фасларлар.

**СЕРМУЙ** 1 айн. *сержун* 1. *Сермуй кўкрак.* — *Ун олати ёшидан бери соқол оладиган сермуй Очил ҳозир ўн кунда бир юзини тарашларди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Туки, пати қалин, сертук (гилам, газмол ва ш. к. ҳақида). *Сермуй гилам.*

**СЕРНАМ** Нами кўп, нами меъёридан ортиқ. *Сернам пахта.* | Гоёт нам, зах. *Сернам ер.* | Нами, рутубати кўп, рутубатли. *Ҳавонинг иссиқ ёки салқин*

келиши, қуруқ ёки сернат бўлишига қараб экин экиш муддатлари ҳам ўзгаради.

**СЕРНАСЛ** Насли кўп, кўп насл қолдирган ёки қолдирадиган; кўп туғадиган; серпушт. *Сернасл мол.*

**СЕРНОЗ** 1 Нози кўп, ноз-карашма қилаверишни яхши кўрадиган, гоёт нозли. *Серноз раққоса.* — *Эри доимо ёнида бўлганида унчалик қадрламаган хотинлар ҳам, урушдан сўнг эрини сиқиброқ кучоқлайдиган, серноз, сермулозамат бўлади, дегне?* — тегишди Рашид. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўчма Товланиб, тусланиб турадиган; ранг-баранг, гўзал. *Табият серноз заррин либосга безанган.* С. Азимов, Учинчи фасл. *Ёз экан, танноз, Серноз экан, дам соз экан.* Ғ. Ғулум.

**СЕРОБ** Етарли даражада кўп, мўл-кўл. *Бизда ҳамма нарса сероб.* — *Фронгдаги жангчиларга соғва юбориш керак. Мева сероб.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Қори туғунчани очиб ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди. Зап ўрик экан-да. Канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда албатта шунинг данагидан экамиз.* А. Қаххор, Қўшчинор. | *Э. к. билан*) Етарли миқдорда таъмин этилган, мўл-кўл. [Абдурашул] .. *хафталаб йўл босиб, Фарғона водийсига, ундан яна «нонга сероб» Тошкент вилоятига қайтади.* П. Турсунов, Уқитувчи.

**СЕРОБГАРЛИК** айн. **серобгарчилик.** **СЕРОБГАРЧИЛИК** Маишат, яшаш учун ҳамма нарса етарли бўлган пайт; маъмурчилик, мўлчилик, фаровонлик. *Ҳамма ёқ серобгарчилик бўлиб қолди. Серобгарчиликда яшамок.*

**СЕРОБЛИК** 1 сероб с. белги оти. *Бозорда мева сероблигидан ҳеч қайққа сиғмайди.*

2 айн. **серобгарчилик.** *Бир ёқда — ташиналик, сўлғинлик, иккинчи ёқда — сероблик, гулеунлик!* Бир-биридан мадад ололмайди, бири-бирига ёрдам қилолмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЕРОБЧИЛИК** айн. **серобгарчилик.** *Баркашларда тўлиб-тошиб тортилиб нонлар, Фаровонлик, серобчилик, ҳар уйда байрам. Ҳабибий.*

**СЕРОҲАНГ** Оҳанг жиҳатидан бой, гоёт оҳангли; оҳангдор. *Сеरोҳанг куй. Сероҳанг овоз.* — «Тинчлик» сўзи.. *Бу — ёқимли, сероҳанг бир сўз, Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз.* Шайхзода.

**СЕРПАМОҚ** Зарб билан урмоқ, солмоқ. *Қилич билан серпаб ўтмоқ.*

**СЕРПАРДОЗ** 1 Пардоз кўп, пардоз-андозни жуда яхши кўрадиган, ўзига ҳалдан ортиқ пардоз бериб юрадиган. *Серпардоз хотин.* || [Бу хотин] ўзи ҳамма вақт ғариб яшашига қарамай, жуда серпардоз эди. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Пардозни кўп, кўп пардоз берилган; сернақш. *Серпардоз уй.*

**СЕРПАХТА** Пахтаси кўп, пахта кўп солинган. *Серпахта кўрна. Серпахта чопон.*

**СЕРПУЛ** Пули кўп; пулдор. *Серпул одам.* — *Зокировнинг касби-қори нотайин, аммо серпул.* М. Жўра, Изтироб. *Баъзи серпул катта дунёдор кўпас бойлар узоқ юртларга ўз ғумачталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**СЕРПУШТ** [ф-т] Тез урчийдиган, кўп бола туғадиган; тухумни кўп берадиган; сернасл. *Серпушт товуқ.* **СЕРРАЙИШМОҚ** *серраймоқ* фл. бирг. н.

**СЕРРАЙМОҚ** 1 Донг қотмоқ, ҳайкалдек қотиб қолмоқ. *Ҳайратдан серрайиб қолмоқ.* — *Низомжон нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Унинг [Қутидорнинг] ёнида уста Олим бўлганда эди, вқтимол у қай вақтларгача серрайиб қолар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор иш қилмай, кеккайиб ёки анграйиб туравермоқ. *Нима қилиб серрайиб турибсан?! Ичкари кир. Рўмолинени ўра [деди Қиммат хола қизига].* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

3 кам қўлл. салб. *Ўзини катта олмақ, гердаймоқ. Улуғ бўлсанг кеккайма, ўз халқингга серрайма.* Мақол.

**СЕРСАВЛАТ** Савлати жуда ҳам зўр, гоёт савлатли, жуда басавлат. *Серсавлат одам.* — *Отин биби — қари, жиддий, серсавлат хотин.* Ойбек, Болалик. *Шу чалдвор ҳовлимиз .. кўзимга ҳар қандай бойларнинг серсавлат уйларидан яхши кўринади.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**СЕРСОЯ** Сояси кўп, кўп соя берадиган. *Серсоя сада.* — *Серсоя дарахтлар остида катта майдонни широл қилган бу булоқ қайнайди.* А. Қаххор, Сароб. | *Жуда соя, салқин. Сол кам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя жойлар кўп.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Ям-яшил ҳам серсоя боғда, Атиреул ҳид анқитган чодда, Асал учун шира эмарди.* Нурбек.

**СЕРСОҚОЛ** Узун соқол қўйган, соқоли кўп, қуюқ, зич. *Баҳри чимматини кўтарди-да, .. серсоқол, кўк кўз чолнинг девордаги суратига қараганча анграйиб қолди.* Х. Ғулум, Машғал. || *Эрмат аканг шу бўлади. Соқолидан кўрқма. Дадаси серсоқол эди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. | *Соқоли ўсиб кетган, юзини соқол босган. Ёши анчага бориб қолган, серсоқол бу солдат қоғозга маҳорка ўраб туриб, сўзида давом этди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изилан.

**СЕРСУВ** 1 Суви кўп, суви мўл, тўла сувли. *Серсув дарёллар.*

2 Суви, шираси кўп; сершира. *Серсув ўт. Серсув шафтоли.*

**СЕРСУТ** 1 Сути кўп, кўп сут берадиган. *Серсут биля.*

2 Сут кўп солинган. *Серсут чой. СЕРСУЯК* Суяги кўп. *Серсуяк гўшт.* | Суякли гўшт кўп солинган. *Серсуяк шўрва.*

**СЕРТАВОЗЕ** Тавозе қилаверишни



жуда яхши кўрадиган ва ўрнига қўядиган, ғоят тавозели; сертаъзим. *Сертавозе одам.* ■ У [Тўлават] каттаю кичикни баравар «ако» дейдиган сертавозе бу йиғитдан қандай гап чиқаркин, деб кутиб турди. С. Анорбоев, Оқсой.

**СЕРТАКАЛЛУФ** айн. сермулозамат. *Сертакаллуф одам. Сертакаллуф бўлмоқ.* ■ Бу мулоийм, сертакаллуф аёлга рўпара келган ҳар қанақа тоширрак ҳам юмшайди. С. Анорбоев, Оқсой.

**СЕРТАШВИШ** 1 Ташвиши кўп, кишига кўп ташвиш келтирадиган, ғоят ташвишли; серғалва, бетинч. *Серттавиши иш. Серттавиши жой.* || Бу йил баҳор сертавиши келди.

2 Ғам-ташвиши кўп, тиниб-тинчимас. *Серттавиши одам.* || Элмурод айниқса бугун ўглини уйлантираётган отадек мағрур ва сертавиши эди. П. Турсун, Ҳўкитувчи. | Ташвишли, ташвиш ифодалайдиган. *Серттавиши кўзлар.* || Стекловининг башараси қаҳрли, кичик кўзлари фавкулдда жиддий, сертавиши. Ойбек, Қуёш қораймас.

**СЕРТАЪЗИМ** айн. сертавозе. *Серттаъзим одам. Серттаъзим бўлмоқ.*

**СЕРТОМИР** 1 Томири кўп, турган-битгани томирдан иборат бўлган. *Серттомир ғўшт.*

2 Томирлари бўртиб чиққан. *Чол совуқдан кўкарган сертомир кўлларини чироқ ишичасига тутиб исита бошлади.* Ҳ. Гулом, Машғал.

**СЕРТОМОҚ** Томоқни, овқатни кўп ейдиган; хўра. *Серттомоқ мол. Серттомоқ одам.*

**СЕРТУК** 1 Туки, паги қалин (гилам, газмол ва ш. к. ҳақида).

2 Тук, жун босган. *Алиохун ўрнидан туриб кенг, сертук кўкрагини қавртиб керишди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**СЕРТУПРОҚ** Тупроғи кўп, тупроқ босган. *Сертупроқ йўл.* ■ Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани чангиштиб келмоқда. С. Аҳмад, Мухаббат.

**СЕРТУХУМ** 1 Тухуми кўп, тухум кўп солинган. *Сертухум хамир. Сертухум қўймоқ.*

2 Кўп тухум қиладиган; тез урчидиган; серпушт. *Сертухум товуқ.*

3 *Кўчма с. т.* Тез кўпаядиган, туғадиган. *Пулчи? Пул ҳам туғади. Жуда кўп туғади, тез туғади, айниқса, бу замонда пул сертухум бўлиб кетган.* Ойбек, Қутлуг қон.

**СЕРУЙҚУ** Кўп ухлайдиган, ҳа деб ухлайверадиган, уйқудан бош кўтармайдиган. *Серуйқу одам.* || Улар [болалар] ялқов, йилдоқи ва серуйқу эдилар. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**СЕРУНУМ** 1 Унуми, маҳсули кўп, яхши унум, маҳсул берадиган, ғоят самарали; сермаҳсул. *Серунум иш.*

2 айн. *сердаромад. Ғиждубон.* .. Бухоро амрлигида энг серунум беғлик. М. Жўрабоев, Мулла. Б. м.

3 айн. *серҳосил. Серунум ер.*

**СЕРФАЙЗ** Ғоят файзли, кўркли,

кўзни қувонтирадиган. *Серфайз одам. Серфайз боғ. Серфайз ҳовли.* ■ Баҳорнинг серфайз кунларида Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози томон йўл олдик. Х. Икромов, Нашида.

**СЕРФАРЗАНД** Фарзанди, боласи кўп, кўп болали; сербола. *Серфарзанд оналар.* ■ — Яна нимаси бор эди. Белида рўмоли бормиди? — Ҳа бор эди. Эсим курсин, айтмабман, худое серфарзанд, сердават бўлинг! — деб шошиб қолди Бувинисо. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**СЕРХАРАЖАТ** айн. *серхарж.*

**СЕРХАРЖ** Пулни кўп харажат қиладиган, харажати кўп. *Серхарж одам.*

**СЕРХАРХАША** 1 Ҳа деб хархаша қилаверадиган, ғоят инжиқ. *Серхархаша бола.* || Айниқса, Мавлон аканинг «тўрва қоқдиси» икки яшар Нишонтой серхархаша. Ҳ. Гулом, Машғал.

2 Ноз-андози кўп, ғоят эрка, инжиқ. *Серхархаша хотин.* || Беклигинидаги деҳқонлар бойваччалардай серхархаша бўлишпти. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

**СЕРЧИКИМ** 1 Чикими, харажати кўп; чиқимни, харажатни, маблагни кўп талаб қиладиган, ғоят чиқимли. *Серчиқим иш.*

2 айн. *серхарж. Серчиқим одам.*

**СЕРЧИҚИТ** Чикити кўп, кўп қисми чикитга чиқиб кетадиган, кўп чикинди берадиган. *Серчиқит хомашё. Серчиқит (ифлос) дон.*

**СЕРШАРБАТ** Шарбати, шираси кўп, кўп шарбат берадиган; сершира. *Сершарбат узум.* ■ Шафтолининг сершарбат этлари ёзнинг иссиқ кунларида «чанқоқ босди» бўлади, десерт сифатида ишлатилади. К. Маҳмудов, Мевалар.

**СЕРШИРА** айн. *сершарбат. Сершира қовин. Сершира анжир.*

**СЕРШОВҚИН** 1 Шовқини кўп, ғоят шовқинли. *Сершовқин кўча. Сершовқин чех.* ■ Маҳкам .. Сирдарё бўйидаги сершовқин, гажжум ишчилар шаҳарчасида катта бўлган эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Кўп шовқин чиқарадиган, шовқин қиладиган. *Сершовқин трамвай.*

■ *Шиорлар ва гуллар билан безатилган катта зал сершовқин болаларга тўлиб кетди.* О. Ҳўкубов, Каптар.

**СЕРШОНА** Шонаси кўп, кўп шоналаган ёки шоналайдиган. *Сершона ғўза.* || Сува қонган ёш ниҳоллар сершона бўлиб ўсади.

**СЕРШОХ** Шохи кўп, қуюқ, зич; шохлаб кетган. *Сершоҳ дарахт.* ■ Катта кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида сершоҳ тол тағига сув секиб, бордон тўшаб қўйилган эди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**СЕРЯМОҚ** Ямоғи кўп, кўп ямоқ солинган, ямоқ босган. *Серямоқ чопон.*

■ [Алиохун] .. қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўйлагининг иртигини тикишга ўтирди. Ойбек, Қутлуг қон.

**СЕРЯПРОҚ** айн. *сербарг. Серяпроқ*

*дарахт.* ■ [Ғуломжон] қўшни вишигини тўшиб турган серяпроқ, қалин шохлар орасига кириб, мингобоши ҳовлисига қаради. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**СЕРЎТ** Ўти кўп, ўти қалин, зич. *Серўт яйлов.* | Ўт ўсган, ўт босган.

**СЕРҚАВИҚ** Қавиғи кўп, қалин; зич; ораси яқин-яқин қилиб қавилган. *Серқавиқ кўрпа.* ■ Қамчи.. серқавиқ бўз тўғни устидан чандиб боғлаб олган қўш белбоғини.. ушлаганча жавоб берди. Ҳ. Гулом, Машғал.

**СЕРҚАДОҚ** Қадोगи кўп, ҳамма ёғи қадоқ, қадоқ босган. *Серқадоқ қўл.*

■ *Ҳамроали серқадоқ кафтларини пешанасига соялон қилиб, ўши томонга тикилди-да, ўзича Иван акамга ўхшайди, деб ўйлаб,— Иван ака-а,— деб қичқирди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

**СЕРҚАЙМОҚ** Қаймоғи кўп, кўп қаймоқ берадиган, жуда қаймоқли. *Сигирлардан қишин-ёзин бирдек кўп, серқаймоқ сут соғиб оласан, етарли озуқа ғамлаб қўйсан, ғўшт ҳам, сут ҳам, ёғ ҳам, жун ҳам кўпаяди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон.

**СЕРҚАТИҚ** Қатғи кўп, кўп қаттиқ солинган. *Серқатиқ мастава.*

**СЕРҚАТНОВ** 1 Транспорт ва йўловчилар кўп қатнайдиган, харакат тўхтамайидиган. *Серқатнов кўча.* || *Станцияга олиб борадиган бу йўл серқатнов: арава, машинадан кўпи айқ. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

2 Кўп бориб-келиб турадиган, кунда-шунда. *Серқатнов меҳмон.* || Баҳри Бўронбекнинг овозини таниб: «Беквачча серқатнов бўлиб қолдилар», деган гапни дилидан ўтказди. Ҳ. Гулом, Машғал.

**СЕРҚИЛИҚ** 1 Ножўя ёки келинмаган қилиқлари кўп, жуда қилиқдор. *Серқилиқ танноз хотин.*

2 *Кўчма* Тез ўзгариб турадиган; инжиқ. У, узоқ Фарғона қишлоғининг серқилиқ иқлимининг болалигидан билгани учунми, буюқда қолгандай ёзғича резент чамлон, бошига оқ наमत қалпоқ кийган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**СЕРҚИЛТАНОҚ** Қилтаногги кўп. *Серқилтанок балиқ.*

**СЕРҚИРРА** 1 Қирраси кўп. *Серқирра стакан. Серқирра тош.*

2 *Кўчма* Ҳар тарафлама, кенг. *Серқирра талант.*

**СЕРҚОШ** Қоши қуюқ, қалин. [Ортиқ Холиқов] серқош, бурундор, бурнининг остида жиндек мўйлови ҳам бор одам. М. Муҳиддин, Тўғри савол.

**СЕРҚУЁШ** Доим ёки кўп вақт офтоб чиқиб турадиган, жуда ҳам офтобли, қуёшли. *Серқуёш ёз. Серқуёш йақа.*

**СЕРҚУМ** 1 Куми кўп, қумга бой; кум босган. *Туби серқум дарё.*

2 Кум кўп солинган. *Серқум лой. Серқум сувоқ.* || *Алебастрни серқум қилиб қормоқ.*

**СЕРҒАЙРАТ** Ғайратга тўлиб-тошган, ғайрати ичига сиғмайдиган, жуда ҳам ғайратли. *Серғайрат бола.* ■

Маҳмуджон ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош, ишчан, серғайрат, ташаббускор бригадирлардан бири. М. Раҳмонов, Х. Усмонов, Зийнаткорлар.

**СЕРҒАЛВА** I Ғалваси, жанжал-сурон кўп; ғалвали. *Серғалва жой.*

2 Кўп ғалва, жанжал қилаверадиган; сержанжал, жанжалкаш. *Серғалва одам.*

**СЕРҲАРАКАТ** I Доим ҳаракат қилиб турадиган, тиниб-тинчимас; ҳаракатчан. *Серҳаракат одам.* || Қайтага биздан кўра комсомоллар серҳаракат чиқиб қолишди; ичкисини бор, жуда яхши бўлмаса ҳам, ўзларини кўрсатиб турибдилар. Х. Шамс, Душман. *Мамжон лочин. Серҳаракат — бетишим. Ой нухали дўпписи Чакқасида бежирим. Қ. Муҳаммадий.*

2 Тез ва чаққон ҳаракат қиладиган; ҳаракатчан, абжир. *Унинг [Элмуроднинг] чарчашини билмас серҳаракат гавдаси, мажлислардаги жўшқин гаплари бу одамнинг юраиди кўндан ҳосил бўлган кураш ўтининг эндиликда аланга олаётганидан дарак берарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Кўп ҳаракат талаб қиладиган, кишини ҳаракатга соладиган. *Серҳаракат йишлар.*

**СЕРҲАФСАЛА** Ҳафсалали, ҳар бир ишни ҳафсала билан қиладиган; эринмас. *Серҳафсала одам.*

**СЕРҲАШАМ** Ҳашами кўп, жуда ҳам ҳашам берилган, ғоят ҳашаматли, ҳашамдор. *Серҳашам бино.* — Улар кирган уй меҳмонхона бўлса керак. Ниҳоятда серҳашам эди. С. Аҳмад, Пойқадам. *Эрматов.. серҳашам қўндан сопи гулдор, ўткир фарғонача пичоқни суғурди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**СЕРҲОСИЛ** I Кўп ҳосил берадиган, ҳосили кўп, ғоят ҳосилдор. *Серҳосил олма. Серҳосил пахта.*

2 айн. семиз 2. *Серҳосил ерлар.* — Сувсизликдан номи эди Мирзачўл, Сув келтирди серҳосил кенг ер қилди. *Ҳабибий.*

**СЕСАРКА** [р сесарка], сесарка товук Товуқлар туркумига мансуб, куркасимон хонаки парранда.

**СЕСҚАНМОҚ** Жирканиб ёки беҳос ташқи таъсирдан чўчиб, сапчиб тушмоқ, кескин қимирламоқ. *Сесқаниб кетмоқ.* — Фуломжон Ҳаётни момиқ билагидан ушлади, қиз бирдан сесқанди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўйбека.. совуқ сув келтириб Қумушининг манглай ва кўксига сепган эди, сесқаниб ўзига келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Асад қори бир нарса чақиб олгандек, бирдан сесқаниб тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Зухраҳон] эти сесқаниб бундай қараса, катта-катта чумолилар оёғидан изғишиб юрибди. А. Муҳиддин, Куёв қочди.*

**СЕСҚАНТИРМОҚ** сесқанмоқ *фл. орт. н. Қулоқлари остида қаттиқ янграган қоровул шақилдоғи уни сесқантирди. Ойбек, Қўтлуғ қон. Самолётнинг чиқариб шўнғиши кишини сесқантиради. Шухрат, Шивел-*

ли йиллар. *Куз кечасининг салқини унинг [Нурининг] қизгин баданини сесқантирди. Ойбек, Қўтлуғ қон.*

**СЕССИЯ** [р<лат] I Коллегиал ва сайланма органларнинг, илмий ташкилот ва жамиятларнинг маълум вақтларда чақириладиган ёки маълум муносабат билан ўтказиладиган мажлиси. *СССР Олий Советининг сессияси. Илмий сессия.* — Район Советининг сессиясида мактабларда ишлаб чиқариш таълими масаласи кўрилар эди. С. Аҳмад, Гувала.

2 Олий ва махсус ўрта ўқув юрталарида маълум вақтларда ўтказиладиган имтиҳонлар ва шу имтиҳонлар вақти. *Қишқи сессия.* — Бу метод ҳозир бизга иш бермайди, — тушунтирди Зокир юмшаб. — Вақт зиқ. *Группаларда муҳокама қилдирунимизча сессия етиб келади. П. Қодиров, Уч илди.*

**СЕТКА** [р] I Тўр халта. [Хола] қўлидаги сеткага нон, овқат, бидикки бош узум солиб йўл ўртасида бир студент йигитдан клинкага қандай боришни сўради. Мирмуҳсин, Умид.

2 *эк. айн. жадвал. Тариф сеткаси.* **СЕТОР** [ф-т] Уч торли, чертиб чалинадиган, тамбурсимон музика асбоби.

**СЕШАНБА** [ф-т] Ҳафтанинг душанбадан кейинги, иккинчи кунини.

**СЕЯЛКА** [р] қ. х. Уруғ сепиш, экиш учун хизмат қиладиган машина. *Эртадан чиқиб эмакчи эдик, сеялкаларни тайёрлаб қўйилман. Ойдин, Келин ўйил туғибди.*

**СЕЯЛКАЧИ** Сеялкада ишловчи, сеялка билан уруғ сепувчи, экувчи деҳқон.

**СЕХР** [а] I Диний-хурофий тасаввурларга кўра, гўё қандайдир ғайритабиий кучларни бўйсундириб, улар ёрдамида мўъжизалар вужудга келтирувчи ҳаракат ва дуолар; афсун, жоду. *Ўғлинингнинг бу иши бежиз эмас: марғилолик сеҳр қилдими, жоду қилдими, ҳайтовур сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *кўчма* Кишининг эс-хушини олиб қўядиган, мафтун этадиган; фусункор (нарса, ҳодиса ва ш. к. ҳақида). *Ёқимли садонинг сеҳрига берилиб, [Йўлчининг] кўзлари секин юмилди. Ойбек, Қўтлуғ қон.*

**СЕХРБЎЗ** [а+ф-т] кам қўлл. айн. сеҳргар.

**СЕХРҒАР** [а+ф-т] I Сеҳр қилувчи, афсункор, жодугар. *Қоражон, сен сеҳргар-жодугар бўлибсан, балога йўлиқиб қолибсан. «Алпомниш».*

2 *кўчма кам қўлл. айн. сеҳрқор. Сеҳргар кўзлар. Сеҳргар садолар.*

**СЕХРҒАРЛИК** I сеҳргар I с. касб оти.

2 *сеҳргар 2 с. белги оти. СЕХР-ЖОДУ* Сеҳр ва жоду(лар). *Сеҳр-жоду қилмоқ.*

**СЕХРҚОР** [а+ф-т] Кишининг эс-

-хушини олиб қўядиган, мафтун этадиган; фусункор. *Сеҳрқор садолар.* — Йўлнинг икки четини Ҳиндистон табиатининг мўъжизакор, сеҳрқор кучи яратган азим, кўркам дарахтлар безар эди. Ойбек, Нур қидириб.

**СЕХРЛАМОҚ** I Сеҳр-жоду қилмоқ; сеҳр-жоду билан кўз боғламоқ.

2 *кўчма* Эс-хушини олиб қўймоқ, мафтун этмоқ. *Сеҳрлаб ўзига оғдирмоқ.*

**СЕХРЛАНМОҚ** сеҳрламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н. Сеҳрланган кўзеу.* — [Йигит] шарқираб оққан сувнинг қўшиғидан сеҳрлангандек, ариқ бўйида тўхтади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**СЕХРЛИ** I Сеҳр-жоду қилинган, сеҳрланган. *Сеҳрли амал.*

2 *кўчма* Эс-хушини олиб қўядиган, мафтун этувчи, фусункор. [Гулзор] бир ёз кечаси тўйин ойнае сеҳрли нурида, мана шу тераклар остида Йўлчини кутмаганидиди? Ойбек, Қўтлуғ қон. || Ҳаво очиқ .. майин шабада терак барглариини сеҳрли титратган ёқимли ёз кечаси. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**СЕХРЧИ** айн. сеҳргар.

**СИ** [р<лат] Музыка гаммасининг еттинчи товуши ва унинг нота белгиси.

**СИБИЗГА** айн. най 2. Қамиш сибизга. *Сибизга чалмоқ.*

**СИБИЗГАЧИ** Сибизга чалувчи.

**СИБИР** [р Сибирь]: *сибир қилмоқ с. т.* Сибирга сургун қилмоқ. [Ҳоким:] Йўқ, ҳукм қатъий. *Гофир бир умр сибир қилинди!* Ҳамза, Вой ила хизматчи.

**СИБИЗГА** с. т. Сибизга. *Ана, чўпон йигит яшил майсазорга ёнбошлаб, қамиш сибизгасини чалаётибди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

**СИВОРТКА** [р сиворотка] Қон ва лимфанинг қуйилиши натижасида ҳосил бўладиган ва эмлаш учун ишлатиладиган суюқлик. *Тифга қарши сиворотка.* — Шербек эгар қошидан сумкасини олди-да, сунъий қошириш пунктига қараб юрди. У гормонли сиворотканине кучини синаб кўришига шошарди. С. Анорбоев, Оқой.

**СИГАРЕТА** [р] Бор бўйича тамаки тиқилган, муштуксиз папирос. *Қомил афанди чўнтагидан сигарета олиб, муштукка тиқиб тутатди-да, тарихни ўзи билганча ҳикоя қила бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал.*

**СИГИР** I Урғочи қорамол. *Говмиш сигир. Сигир соғмоқ.* — *Юрт-эл маъмурчилик, колхозимиз бой, сув ўрнида сунт оқди. «Сигир етти хазинанинг бири» дейишлари бежиз эмас. А. Мирраҳмедов, Қулган чечаклар. Соғин сигир қ. соғин.*

2 Мучал йил ҳисобида иккинчи йил номи. *Унинг йили— сигир. Сигир йили шу мучал йил ҳисобида иккинчи йил (қ. мучал).*

◆ **Сигир қуйруқ** икки-уч томонга нишаб, суйри. *Сигир қуйруқ сирт.* || *Сигир қуйруқ қилиб сувамоқ.*

**СИГИР-БУЗОҚ** Сигир ва бузоқ(лар); мол-жон.

**СИГИРХОНА** Сигир турадиган жой;

молхона, оғилхона. Қолхоз сигирхона-си. — Кутбия менинг ёлгон гапирганимни пайқамай, дарвозахонадаги эшикдан сигирхонага ўтиб кетди. Айний, Куллар.

**СИГНАЛ** [р<нем] 1 Бирор маълумот, буйруқ, хабар ва ш. к.ни узоқ масофага ёки кўпчиликка етказиш учун қўлланиладиган шартли белги, ишора. Светофор сигналлари. Тovuш сигнали. Аниқ вақт сигнали. Сигнал чироқлари. — Совет самолёти! Ўзимизнинг самолётимиз! Норматнинг бу овози яқин блиндажларга етиб борди, наслардан ҳам сигналлар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Машина қисқа сигнал бериб, ўрнидан жилди-ю, бир ондан кейин кўздан ғойиб бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Огоҳлантирувчи хабар ёки белги, ишора. — Шундай кўнгилисиз аҳволлар тўғрисида синаллар бўлган-миди? — Бўлган эди. Бу ерда ўртоқ Эргашевнинг хушёрлигига тан бериш керак. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. У [Низомиддинов] фош қилган, у масала қўйган, у сигнал берган. А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

**СИГНАЛИЗАТОР** [р] Сигнализация асбоби ёки унинг сигнал берувчи қисми.

**СИГНАЛИЗАЦИЯ** [р] Сигналлар системаси ва сигнал берувчи асбоблар, қурилмалар мажмуи. Автоматик сигнализация. Сигнализация ва алоқа ёситалари.

**СИГНАЛЧИ** Сигналлар бериб турувчи киши. Темир йўл сигналичиси. Сигналчи матрос сигнал бериб турувчи ва қабул қилувчи матрос.

**СИДЕРИК** [р сидерический<лат]: сидерик давр астр. планета, комета ва ш.к.нинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш даври; тақ. синодик: синодик давр. Сидерик ой астр. Ойнинг Қуёш атрофида тўлиқ бир айланиш даври; тақ. синодик: синодик ой.

**СИДИРИЛМОҚ** сидирмоқ фл. ўзл. «а мажх. н. Териси сидирилиб тушиди. — У [Лолахон] енгини шимариб олган, қулча бетлари терга ботган, қизил рўмолчаси бошидан сидирилиб, узун соч ўрмига илашиб қолган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

◆ Ичим сидирилиб тушди (ёки кетди) ичимда ҳеч нарса қолмади, қорним очиб кетди. Кўк чой ичавериб ичим сидирилиб тушди.

**СИДИРИШМОҚ** сидирмоқ фл. бирг. н.

**СИДИРМОҚ** 1 Қириб, тортиб тозаламоқ ёки тўплатмоқ; куч билан босиб, тортиб тозаламоқ, олиб ташламоқ. Ахлатни бел билан сидирмоқ. Кумни сидириб тўплаб қўймоқ. — Мадамин салкам бир лаган ошини бир неча олишда тугатди ва ёғли лаганни бармоғи билан сидириб, худди ювиб, артилгандай топ-тоза қилиб ялади. П. Турсун, Уқитувчи. Она доғи сидириб олинган сўтага ўхшаган ориқ бо-

ласига узоқ тикилиб туролмади. Р. Раҳмон, Ўлик балиқ. Бўтабой ориқ четларидаги ўтларни кетмонлаб сидирди. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Сийпалатиб тортиб олмақ. Пайпоқни сидириб тўпчиқа туширмоқ. — Ширмонхон бошидан рўмолини сидириб олиб кўзини артди. С. Зуннунова, Олов.

◆ Сидириб солмоқ (ёки ташламоқ) жеркиб, сийтаб ташламоқ, қаттиқ қойймоқ. [Санобар билан] .. турли мавзуларда сўзлашдик. Қулишдик, бир оз ҳазиллашдик. Ушанда кенноним уни зарда билан чақириб «ҳа деб йигит кишининг олдида зингиллайверасанми?» деб сидириб солган эдилар, — деди Баҳром. М. Қориев, Ойдин кечалар. Юзини (ёки бетини) сидириб ташлаб андиша қилмай, уят-айбини йиғиштириб қўйиб.

**СИДИРҒА** 1 Бир рангдаги, бир тусдаги; гулсиз. СидирҒа духоба. — СидирҒа қора бахмал дўпписини олиб, тақир бошига кийди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Муттасил, узлуксиз; ёппа. || СидирҒа сув қўйиб сугормоқ. — Яшил гилам бўлиб сидирҒа қўзилган пахтазорнинг у чеккасидеги кишиларни бу тарафдан аранг кўз илгарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

◆ Бир сидирҒа бир сидра сидра. [Хурқунали] каникулда ишлаб топган пуллага олган бир сидирҒа уст-бошини беи йил эҳтиётлаб кийди. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

**СИДИРҒАСИГА** рви Ёппасига, бараварига, муттасил. Меваларни сидирҒасига совуқ урибди. — СидирҒасига ўқийвер, бу ниваси, бизлар ҳам эшитайлик, шайтон қис! — дейди Роҳат келиноий. Ойбек, Болалик.

**СИДРА** (фақат снқ сонлар билан) Марта, карра. Иван Василич поезднинг у бошидан бу бошигача турган одамларга бир сидра кўз ташлаб олди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Аҳмаджон .. немислар .. элик метрча яқин келганда устма-уст икки сидра ўқ ёғдирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. — Бола-чақа маъмур. Егани олдида, емгани кетида. Қийим-кечакдан эса, уч-тўрт сидрадан, — деди Нафас Йўлдошев. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**СИДРАСИГА** рви Қаторасига, кетма-кет. У бир айтганда беи-олти ашулани сидрасига айттарди. Ё. Халимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

**СИДҚ** [а] Садоқат, содиқлик. Пахта учун ғоятда юқори сидқ ихло. Ф. Ғулом. Ўртоқ Ленин фикри мудом Мазлумларни озод этмоқ. Озод бўлган элар унга Сидқин аён қилмоқ керак. Эргаш шоир. Сидқин дил чин садоқат, самимият. Сидқин дил билан меҳнат қилган киши қуруқ қолмайди. Н. Сафаров, Дон. Ўртоқ Лениннинг ҳар сўзин, Бир дoston қилмоқ керак. Сидқин дидан таърифин, Маҳжин баён қилмоқ керак. Эргаш шоир.

**СИДҚИДИЛ** [а+ф-т] (тўғриси сидқин дил) қ. сидқ.

**СИДҚИДИЛЛИК** (тўғриси сидқин диллик). Чин садоқат. Сидқидиллик кўрсатмоқ. Сидқидиллик билан бажармоқ. — У буюрган ишни сидқидиллик билан тез ва аниқ ўтайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СИЁ** [ф-т сиёх, л. м. қора]: дили сиё кўнгли ранж, хафа. Қампирнинг дили сиё. Боя сўкчак тагидан ўнчача ўлик қурт териб чиқди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Нози-неъмат муҳайё бўлса-ю, дилинг сиё, руҳинг сўнлик бўлса, ҳаётда не лаззат бор. М. Жўра, Изтироб.

**СИЁСАТ** [а] 1 Давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарувда ва халқаро муносабатларда тугган йўли; ижтимоий ташкилот, партия, синф ва ш.к.нинг ўз мақсади ва маслагига мувофиқ тугган йўл-йўриги. Ички сиёсат. Ташқи сиёсат. Ленин партиясининг миллий сиёсати. Сиёсат тутмоқ ўз фаолиятида бирор сиёсатни амалга оширмоқ; бирор тарзда иш тутмоқ. Қаттиқ сиёсат тутмоқ. — Элмурод газетадан бир мақола ўқий бошлади. Гап Совет ҳукуматиининг камбағал деҳқонларга ғамўрлиги ва уларнинг манфаати йўлида тугган сиёсати тўғрисида борар эди. П. Турсун, Уқитувчи. | Халқаро ва ички ижтимоий ҳаётдаги воқеа, ҳодиса ва масалалар. Қундалик сиёсат. — Шундай қилиб улар ҳаётдан, бахтдан, адабиётдан, сиёсатдан сўзлашдилар. Ойбек, Нур қидириб.

2 кўчма Ҳийла-найрангга асосланган, йўлига қилинган иш, хатти-ҳаракат; устомонлик. Қаминангиздай аслзода гадо бир овчининг қизига уйланади. Гадоёга — аслзода. Бу ҳам бир сиёсат авом кўз олдида. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Деҳқон, қосиб халқи нотинчланиб қолди: албатта уларнинг болалари кетади-да, фармонда мардикор дейилган, аммо, Салим ака, менимча, бу нарса бир сиёсат, бир алдов бўлса керак. Ойбек, Қултур қон.

3 с. т. Дўқ, пўписа, қўрқитув. Мадумар додоҳ одатича зўғум билан, сиёсат билан халққа хўмрайиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о: [Хўжамқулбий] гапини қайтарган бир камбағали тўтириб майдонда сиёсат учун калтақлатган экан, бечора ўлиб қолибди. С. Анорбоев, Ҳамсўхбатлар. Сиз буларни тўтириб, яхшигина пўписа, сиёсат қилиб бир-икки кун қамаб қўйинг. Айний, Куллар.

**СИЁСАТБОЗ** [а+ф-т] Сиёсатбозликни яхши кўрадиган, қуруқ сиёсат билан иш кўрадиган одам; сафсатабоз. **СИЁСАТБОЗЛИК** Қуруқ сиёсат билан иш тутуш, сиёсат сўқиш, сиёсий ишни қуруқ гапга, фитнес-фужурга айлантириб, меҳнаткашларни сиёсий кураш йўлидан чағитиш.

**СИЁСАТДОН** [а+ф-т] Сиёсатни яхши биладиган, тушунадиган одам.

**СИЁСАТЛИ** Сиёсати ўткир, сиёсатини ўтказма оладиган, ўз сиёсати, қаттиқ қўллиги билан кишиларни бўй-

сундира оладиган. **Сиеватли бошлиқ.** — Бир ҳайбатли, сиеватли нарсалар экан. Булар билан олишиб бўлмаса. «Ёдгор».

**СИЕСАТЧИ** Сиеват масалалари билан шуғулланувчи одам; сиеват арбоби.

**СИЕСИЙ [а]** 1 Сиеватга оид, сиеват билан боғлиқ бўлган, сиеват соҳасидаги. **Сиесий масала. Сиесий кураш.** — **Балли!** — **Ботирали хотинининг елкасига қорди.** — **Биз халқимизнинг сиесий саводини чиқаришимиз керак.** Х. Ғулум, Машғал. | Сиеват соҳасида иш олиб борадиган. **Сиесий бўлим. Сиесий арбоб.** | Сиеватга, сиеват масалаларига бағишланган. **Сиесий мақола.**

2 Давлатга, давлатчиликка ва граждандлик ҳақ-ҳуқуқига оид. **Сиесий тўзум. Сиесий ҳуқуқ. Сиесий карта** (ёки харита) дунёнинг, қитъаларнинг давлатларга бўлинишини кўрсатувчи карта. **Дунёнинг сиесий картаси.** — **Европа сиесий харитасида Моғилёв шаҳри кичик бир нуқта бўлиб кўринди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СИЕСИЙ-ОММАВИЙ [а]** айн. **оммавий-сиесий.** **Элмурод бу кунларда, шароит талаб қилганича, кўпроқ сиесий-оммавий ишлар билан машғул бўлар эди.** П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**СИЕСИЙ-ОҚАРТУВ** Халқ оммаси ўртасида сиесий билим ва маърифат тарқатиш билан боғлиқ бўлган. **Сиесий-оқартув ишлари.** | Шу иш билан шуғулланадиган. **Сиесий-оқартув муассасалари. Сиесий-оқартув мактаби.**

**СИЕСИЙ-ТАШКИЛИЙ [а]** айн. **ташкилий-сиесий.** **Республика составига кирган бу узоқ йўлга [Хоразмга] сиесий-ташкилий ишларда тезда ёрдам бериш лозим эди.** П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**СИЁҚ [а]** (3-ш. бирл. **сиёқи** ва **сиёғи**) Авзо, турқ, кўриниш, сиёқ. **Ҳавонинг сиёқи бузуқ.** — **Мунаввархоннинг ҳали-бери тинчидиган сиёқи йўқ.** М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. **От минганда отнинг бели тоғудек, Чапдастлиги унар қушни олғудек, Сиёқидан йўлбарсга чанг солғудек.** Я. Қурбон. **Энажон сўрмага қайғу ҳам доғим, Ғам билан сарғайди гулдай сиёғим.** «Равшан».

**сиёқи қ. сиёқ.**

**сиёғи қ. сиёқ.**

**СИЁХ I [ф-т]** 1 **сфт, кам қўлл.** Қора, қора рангли. **Миллионлар мотамсаро қолганда.. Сиёх байроқлар қизилни ўраб қадалганда ... Миртемир.**

2 **от** Хат ёзиш учун ишлатиладиган рангли суюқлик. **Қора сиёх. Қизил сиёх. Сиёх билан ёзилган хат.** — **Хатнинг сатрлари қора сиёхта жуда усталик билан ўчириб юборилган.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Дили сиёх айн. дили сиё қ. сиё.**

— **Ҳосилотнинг мажлисида «такасалтанг», «номард» дегани унинг [Болтавойининг] .. дилини сиёх қилди.** С. Ахмад, Қадрдон далалар. **Сиёх бахт ёки бахти сиёх бахти қора. Мен сиёх бахт дунёга келганам бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик ан-**

**дуҳлар йўқ эди.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Рўйи сиёх юзи, бети қора. Рўйи сиёх бўлдиқ ушбу шаҳарга, Бошимиз кесди, осади дорга.** «Эрали ва Шерали».

**СИЁХ II айн. сиёқ.** **Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёғадиган сиёқи бор.** — **[Олимовнинг] шу зехни, ғайрати турса, келгусида агроном бўлиш сиёқи бор.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **[Зикриё қори:]** **Большевик Пўлат шу бўлади, тақсир. Икки дунёда ҳам эл бўладиган сиёқи йўқ.** Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**СИЁХДОН [ф-т]** Сиёх қуйиб қўйиладиган идиш, ёзув-чизув асбоби. **Шийа сиёхдон.** — **Столи устида қогозу қалам, Сиёхта тўладир сиёхдони ҳам.** Ж. Жабборов.

**СИЗ ки. олмиш 2-ш қўлл. 1** Кўпчиликка муурожаатда ишлатилади. **Сиз билан биз ўз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясаб, эйр синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик.** А. Қахҳор, Нутқ. **Сизга ўхшаш далолларга ҳоҳшат йўқ. Мен сизни хўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Овозини бўғмоқчимисиз? Қани унбан кўринг, бу бўрон сизни шундай пирпирак қилиб учирадики, қўнган жой топа олмай қоласиз.** Ойбек, Қутлуг қон. | —лар аффикси билан муурожаат кўпчиликка қаратилганлигини таъкидлайди. **[Абдиқолиқ:]** **Сизлар оқ-қорани, йўл-йўриқни таниган одамлар — менга бир йўл кўрсатинглар, нима қилай?** Ойбек, Қутлуг қон. **Мана, Назира холи ҳам, Шаҳодат холи ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб икки оғиз гаплашмоқчи эдим.** А. Қахҳор, Хотинлар.

2 Ўзидан катта кишига ва умуман ҳар қандай шахсга нисбатан ҳурмат билдиради. **[Кўрбоши:]** **Энди ортиқ ўйламангиз мулла Ҳомид, .. орада сиз қўрқарлик ҳеч бир иш йўқ.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Айланай сиздан, пошша қиз!** **Мирзокаримбойнинг ҳовлилари шуми?** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **[Сидиқжон:]** **Хола, [болани] менга берақолинг, сизни ухлатмайди.** А. Қахҳор, Қўшчинор.

**СИЗЛАМОҚ** Ўзидан каттага ёки ҳар кимсага ҳурмат юзасидан «сиз» деб гапирмоқ; сизсирамоқ. **Собиржонқорининг эшигида бирга ишлаб, ҳасратлашиб юрган вақтларида Сидиқжон уни сенсирар, «Ҳайдар» дер эди, қачондан бери уни сизлайибган, ўзидан бир ёки икки ёш кичик бўлишига қарамай «Ҳайдарали ака» дейдиган бўлди?** А. Қахҳор, Қўшчинор.

**СИЗЛАШМОҚ** **сизламоқ** **фл. бирг. н.** Улар бир-бирини сизлашади.

**СИЗЛОҒИЧ** Баданда, кўпроқ юзда пайдо бўладиган сувли гудда; хусибузар.

**СИЗМОҚ** Бирор нарса орқали аста-секин милдираб ёки томчилаб ўтмоқ; сизғимоқ, сирқимоқ (газ, суюқлик ҳақида). **Қаердандир газ сизмоқда.**

— **Елғизжоннинг миҷжалари орасидан**

**ёш сизиб, юраги типирчилади.** Р. Раҳмонов, Мехр кўзда. **Асад қори энди бўзарди, зах ердан сизиб чиққан сув сингари, ичидаги ғашлик юзага чиқди.** М. Исмонӣлий, Фарғона т. о.

**СИЗНИКИ** **сиз с. эвалик олмиш 2-ш. қўлл. 1** Сизга қарашли, сизга тегишли. **Йўнғичқа сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсбди.** Ойбек, Қутлуг қон.

2 (ў.-п. к., ч. к., ж. к. билан) Сизнинг уйингиз, сизнинг ҳовлинингиз. **Йўлчи унга яқинлашиб: — Қулоқ солинг, ота.. Синелим ҳозирча сизникида турса қалай бўлар экан,— деди.** Ойбек, Қутлуг қон.

3 (асосан қўлл. ф-да) Сизга тегишли киши, сиз томондаги киши. **Бизнинг команда ғолиб чиқди, сизникилар енгилди.**

**СИЗНИНГЧА** **рвш** Сизнинг фикрингизча, ўйлашингизча. **Иш, сизнингча, қандай борапти?**

**СИЗОТ, сизот сув** Ер остидан сизиб чиққан сув, зах суви. **Икки катта сув оралиғида сизотдан ботқоқлик ҳосил бўлган.** Х. Назир, Ўтлар туташганда. **Зовурни қанча чуқур олсангиз, сизот сув шунча тез ўқолади.** Х. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор.

**СИЗСИРАМОҚ** айн. **сизламоқ.** Ўзидан катталарни сизсирамоқ. — **Ҳожи.. хотинини сизсираб: «Сиз икки келич ушлашни билмасиз, Зайнабга жабр қилган кўрinasиз.» — дер эди.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**СИЗҒИМОҚ** айн. **сизмоқ.** **[Норбувининг]** **ёнбошидан оққан қон сизғиб сувга тушган ва оқиқни қип-қизил қонга бўяган.** Х. Шамс, Душман. **Дилдор чўчиб уйғонганда даричаларининг тирқишидан тонг ёруғлиги сизғир эди.** Ойбек, Навоий.

**СИЗҒИРИҚ I** Сизғиб ўтган ёки сизғичдан ўтказилган суюқлик.

2 айн. **фрикатив.**

**СИЗҒИРМОҚ** айн. **сизғимоқ.**

**СИЙДАМ** **диал.** Сидирға, муттасил. **СИЙДИК I** Буйракда ажратиладиган ва таносил органлар орқали чиқариб юбориладиган суюқлик.

2 **с. т.** Пушг; насл. **Ўз сийдигидан бўлган бола.** — **Мен сенларнинг амирингизга қўйшладим-у, унинг сийдиги бўлган сенларга қўйшиламанми?** Айний, Қуллар.

**СИЙДИРАМОҚ** **сиймоқ** **фл. орт. н.** Сийдирадиган дори.

**СИЙЛАМОҚ I** Ҳурматини бажо келтириб кутиб олмоқ, иззат-икром қилмоқ, эъзозламоқ. **Пирнафас ака меҳмонларни яхшилаб сийлади.** Ж. Шарипов, Хоразм. **[Ўзбек ойим:]** **Ҳали қудаларимизни мудоаодагидек сийлай олганимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсак бизнинг шағънимизга яхши эмас.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 («билан» сўзи орқали) Меҳмон қилмоқ. **Овқатдан кейин бобо меҳмонларни қимиз билан сийлади.** Х. Ғулум, Тошкентликлар.

3 Қадрига етмоқ, қадрламоқ, хур-

матламоқ. Эр — сийлаган элда азиэ. Мақол. Сийлаганни сизир билмас. Мақол. — Эасини сийлаган итиса суяк ташлар, қабилдан қизлари туфайли қутидор ва Офтоб олимлар ҳам жуда яхши иззат кўрар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Қасал деб сийлаб турибман-да, отаси, — деди Хадича ая мулоимлик билан. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Хар нарса бўлганда ҳам улугимиз деб сийлаб турган эдим. — деди Қайом. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 (ж. к. билан) Хурмат юзасидан ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб бермоқ ёки камроқ ҳақ олмоқ (савдо-сотикда). Сизга беш сўм сийладим. Ун килограмм ҳамма қатори, бир килограмм сизга сийладим. — Одамлар ҳеч бўлмаса икки-уч тупдан сийланг, деб ялинаверди. Х. Назир, Бир туп ғўза.

**СИЙЛАНМОҚ** сийламоқ фл. мажх. н. Меҳмондар тўкин дастурхон билан сийланди.

**СИЙЛАШМОҚ** сийламоқ фл. бирг. н. **СИЙЛОВ** 1 сийламоқ фл. иш оти.

2 Сийлаб, хурмат қилиб ёки тақдирлаб берилган нарса. [Мардон:] Сиздан пул олиб ўлибманми, хўжайин. [Мадёр:] Бу пул эмас, сийлов-ку. Аҳмоқ. Ол! Н. Сафаров, Шарқ тонги. (ж. к. билан) Савдода хариднинг ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб берилган ёки ҳақнинг камроқ олинган қисми. Оғирри сизга сийлов. Сийлови билан тортиб бермоқ.

◆ **Ўзинга сийлов (бўлсин)** кест. ўзинга буюрсин (яъни менга, бизга кераги йўқ). Маслаҳатнинг ўзинга сийлов. — Раислигинг ўзинга сийлов бўлсин. Фақат бир илтимос: жуда ҳам кекжайиб кетма. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

**СИЙМО** [а] кт. 1 Кнефа, кўриниш. Улугвор сиймо. Ёўзал сиймо. Маънавий сиймо. — Қомила унга меҳр билан бошдан-оёқ қараб, унинг сиймосида қарийб ўзгарши сезмади. Ойбек, О. в. шабадалар. Унинг [қизининг] сиймосида мен ҳаёт ёўзаллигини кўрдим. М. Қориев, Ойдин кечалар. | Чехра, юз. *Ўтган асрнинг сўнги кузи Қорабулоққа очиқ чехра билан келди. Унинг гулун сиймосидан узоқ вақтларгача нур аримади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. (аниқловчи билан)* Кўринишидаги, сифатидаги. [Навоий:] Меңи девона қилган нозанин хур, Малак сиймо, париваш, кўзлари нур. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 ад. Образ. Ленин ҳаёт, Ленин яшайди, Ном тун-кун тилларимизда: Улуг зотнинг ёрқин сиймоси Ҳамон бизнинг дилларимизда. З. Днёр.

**СИЙМОҚ** Ковуқни бўшатмоқ, ёзилмоқ. Отлиқ отини тўхташиб, ундан тушиди, от сийганда ундан узоқлашиб турди. Айний, Қуллар.

◆ **Билиб туриб сувга сиймоқ** билиб туриб ноҳўя ёки номақбул иш қилмоқ. **СИЙНА** [ф-т] кт. 1 Кўкрак, кўкс. Эслаганда қизнинг сийнаси, Чуқур бир

оҳ била кўзгалур. Х. Олимжон. Мирқосимнинг қўлидаги чақалоқ бирдан йиғлаб юборди. Лаъли уни кўлига олиб, бағрига босди-да, дорсиллаб турган оплоқ сийнасини тутди. Х. Ғулум, Машғал.

2 кўча Дил, қалб, юрак. Чарх давридин жигар хун, сийнаси афғорман. Муқимий. Хар ёнда булоқлар Оқмоқда шарақлаб .. Хар сийнада шодлик, Тошмоқда тилаклар. Х. Олимжон.

3 кўча Кучоқ, бағр; оғуш. Жазирама саратон, Оқади анҳор, дарё. Пахтазор сийнасига Отанинг суви даво. К. Муҳаммадий. Қурилиш ишқи билан Азамат ўлка. Сийнасига тўплади Куч-қувват ўлка. Ғайратий. Булоқ она ер сийнасидан Шевр сингаари қайнаб оқади. Э. Воҳидов.

**СИЙПАЛАМОҚ** 1 Силамоқ, силаб эркаламоқ. — Вой шўрим, қўлиңга нима қилди? — Тўтибу қўллари билан Адолатнинг гоҳ елкасини, гоҳ орқасини сийпаларди. С. Зуннунова, Гулхан. [Йўлчи] тоза супурги билан уларни [отларни] бошдан-оёқ супурди, қўллари билан сийпалади, бармоқлари билан ёллари таради. Ойбек, Қутлуг қон. | кўча Тегиб, силаб ўтмоқ (шабада, шамол ҳақида). Баҳор шабадаси юзни сийпалаб, кўкатларнинг худини димоққа уради. Х. Нуъмон, Фаслар.

2 Ушлаб, силаб кўрмоқ, силаб текширмоқ, пайпасламоқ. Давлатёрни намадоннинг ялтироқ жезлари жуда қизиқтирди. Уларни қўллари билан сийпалаб кўриб: — Бу папкани ҳукумат берганми ё сотиб олганмисиз? — деб сўради. П. Турсун, Ўқитувчи. У [отам] товуши бераан томонни мўлжаллаб, босқич погоналарини сийпалаб, эҳтиёт билан қадам қўйиб юқорига чиқарди. Айний, Эсдаликлар.

3 кўча Яширишга, юмшатишга ҳаракат қилмоқ, хаспўшатишга, пайпасламоқ. — Сиз ўз ишингизни чақоқлаштирятсиз. Сийпалаб сўраганимиздан жуда ҳам эркаланиб кетманг .. — деди теровчи. Е. Ҳаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

**СИЙПАЛАНМОҚ** сийпаламоқ фл. мажх. н.

**СИЙПАЛАТМОҚ** сийпаламоқ фл. орт. н.

**СИЙПАЛАШМОҚ** сийпаламоқ фл. бирг. н.

**СИЙПАМОҚ** 1 Кафт билан силамоқ. Дуодан сўнг барча юз сийпади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Кафт билан силамоқ, силаб эркаламоқ. От ёлини сийпамоқ. | кўча Тегиб ўтмоқ, сийпаламоқ (шамол, шабада ҳақида). Майин шабада столдаги расмларни сийпаб, улара жон кирезигандай бўлди. Р. Файзий, Кишиларнинг қиссаси.

2 кўча Гап-сўз, муомала ва ш. к. билан юмшатиш, тексламоқ. Ўз айбини сийпамоқ.

**СИЙПАШМОҚ** сийпамоқ фл. бирг. н. **СИЙРАК** 1 Онда-сонда, биттадан жойлашган, ораси очиқ-очиқ, дак-

кам-дуккам. Сийрак соқол. Сийрак соч. Сийрак ғўза. — Мўмин ака пешанасини тириштирди, сийрак бароқ қошлари бир-бирига туташди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. Пича юришгач, уларнинг кўзларига қалин ўт ва сийрак буталар ўсаан катта сайхонлик очилди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Арчалар кўзимга аввалгидан сийрак, катта кўриняпти. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Кўзи, тешиклари катта-катта. Сийрак тўр. Сийрак элак. | Арқоқ ўришларининг оралари очиқ-очиқ қилиб тўқилган, шаша. Сийрак дока. | Унча қалип, қуюқ бўлмаган. Сийрак оқ бўлут орқали хираланиб кўринган қуёш ғарбеа қараб юмалай бошлаган бир пайтда отлиқлар қишлоққа кириб келиб, ўзларини ўраб олган одамлардан оқсоқолни сўрадилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Онда-сонда бир бўладиган, камдан-кам; нодир, ноёб. Сийрак ҳодиса. | Кўчаларда йўловчилар сийрак. | Сийрак учрайдиган буюм. — Бу оилада .. хар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади. Аммо меҳмон сийрак бўлади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Унчалик энч эмас, сийраклашган (газ, ҳаво ҳақида). | Бу ер бўлса денгиз сатҳидан икки-уч минг метр баланд, ҳаво анча сийрак. С. Анорбосв, Оқсой.

**СИЙРАКЛАМОҚ** 1 Орасидан олиб ташлаб сийракроқ қилмоқ, яганаламоқ. Ёўзаларни сийракламоқ.

2 Ҳажминини кенгайтириб ёки маълум қисминини чиқариб юбориб сийракроқ қилмоқ. Девигатель цилиндрдаги ҳавонини сийракламоқ.

**СИЙРАКЛАНМОҚ** 1 сийракламоқ 1 фл. ўзл. ва мажх. н. Сочлари сийракланиб қолибди.

2 сийракламоқ 2 фл. ўзл. н. Тоғли жойларда ҳаво сийракланган бўлади.

**СИЙРАКЛАТИЛМОҚ** сийраклатмоқ фл. мажх. н. Сийраклатилган газ.

**СИЙРАКЛАТМОҚ** сийракламоқ фл. орт. н. Кўчатларни сийраклатмоқ.

**СИЙРАКЛАШМОҚ** 1 Сийрак бўлиб, камайиб қолмоқ. Кўждаги юлдузлар ойнинг ўткир шуғласида эригандай сийраклаша бошладилар. С. Зуннунова, Янги директор. Отишма яна бир соатча давом этди. Босмачиларнинг ўқлари тобора сийраклашиб, ниҳоят бутунлай тинди. Х. Ғулум, Машғал. | Одами камайиб қолмоқ. Батайлон яна йўлга тушиди, у хийла сийраклашган эди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Товсилмоқ, товсилланмоқ. Кўчадаги қатнов сийраклашиб, қоронги туша бошлади. Х. Ғулум, Машғал.

2 Кенгайиб ёки маълум ҳажмдаги миқдори камайиб, салмоғини йўқотмоқ, сийракланмоқ (газ, ҳаво ҳақида). Юқорига кўтарилган сари ҳаво сийраклашади.

**СИЙРАКЛАШТИРМОҚ** сийраклашмоқ фл. орт. н. Кўчатларни сийраклаштирмоқ.

**СИЙРАКЛИК** сийрак с. белги оти.



Кўчатларнинг сийраклиги. Хавонинг сийраклиги.

**СИЙҚА 1** Едирилиб, ишқалана-вериб ёки сайқал топиб теп-текис бўлган, сип-силлиқ. Сийқа тош. Сийқа чақа. — [Марасул:] Ҳа! Бора бериб остонасини сийқа қилиб юбордим! Эрга теккан сен-у, жафосини мен тортаман. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.— Қолхоз печатини ҳуда-беҳудага боса бериб сийқа қилиб, хатларини ўқиб бўлмайдиган қилиб юборган экансан,— деди уста раисга. С. Аҳмад, Ходивой. **Сийқа бош 1)** сочлари тўқилиб кетган, силлиқ бош; 2) боши шундай одам.

2 кўчма Кўп чайналган, ишлатила-вериб кўнгилга урган. Сийқа гап. — Гапи сийқа ибораларга, қуруқ формулроқаларга, ўрта мактабдан бери маълум фактларга тўла. П. Қодиров, Уч илди. **Сийқаси чиққан** кўп чайналган, ишлатилавериб кўнгилга урган, эскирган. Қолхозни орқага судрайдиған бундай ишлар тўғрисида гапириб қолсангиз, улар уялмай-нетмай.. сийқаси чиқиб кетган «бажарамиз»ларини такрор-такрор айтишади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 кўчма Гоя-мазмун ва бадний жиҳатдан камбағал; юзаки, саёз. Сийқа фикр. Сийқа асар. | Сотиболдиевнинг бахслашиши ҳам алланечук сийқа, бачкана эди. П. Қодиров, Уч илди.

4 кўчма с. т. Кўп иш кўриб айёр бўлиб кетган; хирпа. Сийқа одам. — У худди «бехато» назмга ўхшар, Сийқа бўлганидан сўқилмай яшар. Шайхзода.

**СИЙҚАЛАМОҚ** Ишқалаб ёки сайқал бериб силлиқламоқ. Фиштни сийқаламоқ. Тезоқар сувар тошларни тезда сийқалаб юборди.

**СИЙҚАЛАНМОҚ 1** сийқаламоқ фл. ўз. ва мажх. н. Сийқаланган тош. Сийқаланиб кетган муҳр.

2 кўчма Ишлатилавериб сийқаси чиқмоқ, кўнгилга урмоқ, эскирмоқ, оёқдан қолмоқ. Сийқаланган ибора.

**СИЙҚАЛАТМОҚ** сийқаламоқ фл. орт. н.

**СИЙҚАЛАШМОҚ 1** Сийқа, силлиқ бўлиб бормоқ, силлиқлашмоқ. Муҳр сийқаланиб қолибди.

2 кўчма Гоя-мазмун ёки бадний жиҳатдан сазлашмоқ, юзаки бўлиб бормоқ. Адибнинг сўнги асари анча сийқалашган. — Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқаланиб, ҳамманинг энсасини қотира бошлади. М. Осим, Утроп.

**СИЙҚАЛАШТИРМОҚ** сийқалашмоқ 2 фл. орт. н.

**СИЙҚАЛИК** сийқа с. белги оти. Тошнинг сийқалиги. Асарнинг сийқалиги.

**СИЙҒОҚ** Кўп сиядиган, қовуғи бўш. | Уйқусида ўрнига сийиб кўядиган. Сийғоқ бола.

**СИЛ 1** Кох таёқчалари (микроблари) туфайли юзага келадиган ва асосан ўпка, суяк, бўғин тўқималарини емирадиган юқумли касаллик. **Ўпка сили.**

**Суяк сили.** Сил ишфоҳонаси. Сил касали (ёки касаллиги) айн. сил 1. Дўконхонанинг тўрида Шокир отанинг ўғли Тоҳиржон ўтиради. У Йўлчининг иштишига қараганда, кўпдан буён сил касалига дучор. Ойбек, Қутлуғ қон. **Марианинг бахтига қарши амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Сил бўлмақ 1)** сил касалига йўлиқмоқ; 2) кўчма с. т. озиб-тўзиб, ранги кетиб, касал тусига кирмоқ. [Фотима ўз-ўзига:] Ҳеч бири киши билан сўзлашмасдан сил бўлишга яқин келдим. Ҳамза, Тухмагчилар жазоси. **Сил қилмоқ 1)** сил касалига йўлиқтирмоқ; 2) кўчма с. т. оздириб-тўздириб, рангини олиб касал тусига киритмоқ, афтодаҳол қилмоқ. Сил қиладиган иш. — Уни [вақилни] объекта-объект бошлаб юраркан, ҳар рақамга ёпишиб ҳижожабай бериши сил қилиб юборди. А. Мухтор, Турғилиш.

2 Шу касал билан оғриган бемор. Силларни даволамоқ. Силларни изоляция қилмоқ.

**СИЛА 1** рви Идишнинг қирғоғи, лаби, оғзи билан барабар қилиб. Қосани сила қилиб тўлдирмоқ. Ошга сила уч пилла гуруч солмоқ.

**СИЛА 2** Олабуга балиқлар оиласига мансуб, денгиз, дарё ва кўлларда яшайдиган қимматли, овланадиган балиқ.

**СИЛАБ-СИЙПАБ** рви 1 Силлиқлаб, ўриб-тараб, пардоз-андоз қилиб. — Қиймларимни кийиб, ўзимни силаб-сийпаб бинийдай бўлиб, бозор томон жўнадим,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўчма Силаб ва сийпаб, аста тегиб. Енгилгина шўх еллар, Қанот силкиб учди. Силаб-сийпаб юзларимни, Бўйларимдан қучади. Т. Тўла.

3 Силаб ва сийпаб, эркалатиб, ардоқлаб. Болани силаб-сийпаб ухлатмоқ. | Алдаб-сулдаб. Материал йўқ. Хатто муҳтарам сайёҳ учун ҳам материал тополмай, жума кунни келинг, деб силаб-сийпаб жўнатганимни кўрдингиз-ку! Б. Рахмонов, Юрак сирлари.

**СИЛАМА:** силама сандиқ 1) лиммолим тўлдирилган сандиқ; сандиқ тўла. Силама сандиқ мол; 2) кўчма ўзига оро, зеб берган, сип-силлиқ; олифта, башанг.

**СИЛАМОҚ 1** Устидан қафт юргизмоқ, сийпамоқ. Дарға оппоқ, соқолини силаб, Қараб қолди бўлиб парижон. Э. Раҳим. | Қафтни босиб аста юргизмоқ, қафт билан аста массаж қилмоқ. Кампир Мирзаевни ўпди, ярадор оёғини силади. А. Қаххор, Кўк конверт. Худойкул бир нафас фингиш ётди. Тепкидан оғриган жойларини секунда-аста силади. П. Туреун, Уқитувчи.

2 Устидан қафт юргизиб, сийпаб эркалатмоқ. Тўққин энди уйдаги хотинларга қарамай, онасининг пешанасини, сочларини силай бошлади. Х. Ғулом, Мащғал.— Аҳвол шундай дегин, биламан, ҳаммасини биламан, оғир кунлар кечиряпмиз,— деди генерал

ва қизчани эркалаб юзларини силади, юпатди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ғуломжон отхонага кириб, тўқилган бедаларни охурага териб солди, қоронғида ҳам саманининг пешанасини силаб, суйиб қўйди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. | Кўчма Тегиб, сийпаб ўтмоқ, сийпаламоқ (шамол, шабада ҳақида). Майин эсаётган шамол.. дарахтлар соясида юзуриб бориётган Саодатнинг юзини, сочларини силаб ўтади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

◆ **Бошини (ёки пешанасини) силамоқ** қ. бош. Ияғини силамоқ ияғини бош ва кўрсаткич бармоқ билан ўраб қафт орасига олмоқ («ҳаф сеними» ишорасини билдиради). Афанди «қасосли дунё, хайр» деб ўз ияғини силаб қўйди. «Латифалар». Нон (ёки пахта) силамоқ этн. оғриқ жой устидан нон ёки пахта юргизиб айлантириб даволамоқ.

**СИЛАНМОҚ 1** силамоқ 1, 2 фл. мажх. н.

2 Ўзига оро, зеб бермоқ; тараниб озода кийиниб юрмоқ. [Қосим:] Отам раҳматлик юзлаб касибларни ишлатиб қўйиб, ўзи силаниб юрани-юрған эди. «Муштум», 1960, № 12.

**СИЛАТМОҚ** силамоқ 1, 2 фл. орт. н. Оёқларини силатмоқ. — Отни боқсанг, арпа бериб туллатиб, Ёл қуйруғин Хилолжонга силатиб. «Гўрўғли».

**СИЛАШМОҚ** силамоқ 1, 2 фл. бирг. н.

**СИЛЕН** Чўлда ўсадиган ва қумини яхши ушлайдиган кўп йиллик бошоқли ўт.

**СИЛЖИМОҚ 1** Жойидан қўзғалмоқ, сурилмоқ, жилмоқ. Шафқ жайидан силжимади. — [Йўлчи] отнинг жиловидан тортиди, аравакаш ғилдиракдан тортиди. От силжимади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Жойидан кетмоқ, қўзғалмоқ; турган жойини ташламоқ. Отшимиз зўрайиб кетди. Пулемётдан бир секунд силжисам душман менгигина эмас, ўша қизни ҳам ўлдиради. Ойдин, Сухбати жонон.— [Офтобойим:] Янглишяпсиз, ойи! — [Ўзбек олим:] Янглишсам, янглишмасам Кумуш бу уйдан силжимади. А. Қодирий, Утган кунлар. Ёши улур Назарали ота шу ерда. У йил бўйи силжимади меҳнат постидан. Ғ. Ғулом.

2 Жўнамоқ, йўлга чиқмоқ.— Зиё ака: билан ўғли Раҳматни бўшатингиз, сўнгра ановини қўлга олингиз! — деган амирни олиб, қўрбоши ҳам силжиди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Олга босмоқ, илгариламоқ. Ротамиз тун қоронғисида ўрмон ишдан товуқисизгина силжиди. Х. Ғулом, Тошкентликлар. | Белғили масофани босиб ўтмоқ. Отряд икки километр силжиди.

3 Сизиб ўтмоқ; сизғамоқ, сизмоқ. Шипдан сув силжиб томчилмоқда. — Қалин ток барглари орасидан силжиган қуёш нурлари унинг юзиде, сочларида товланиб ўйнайди. Ойбек, Қутлуғ қон.



◆ Илгари (ёки олға) силжимоқ илгари (ёки олға) босмоқ қ. босмоқ 8. СИЛЖИТИЛМОҚ силжитмоқ фл. жажж. н. Стол аранг силжитилди. — [Хушрўй] бир қадам силжитилсинчи! А. Қодирий, Утган кунлар. СИЛЖИТИМОҚ силжимоқ фл. орт. н. Харсангни кўплашиб силжитдик. — Навоий .. салласини пешанадан сая юрори силжитди. Ойбек, Навоий.

СИЛЖИШ 1 силжимоқ фл. ши оти. Йўли учун Мирзақаримбойниқидан силжиши — Гулнордан айрилиши демак эди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Яхши томонга ўзгартиш, олға босиш. Ишимизда катта силжиши бор. Ҳаётимиздаги силжишлар беқийсдир. 3 махс. Молда ёки жисм қатламлари ёки қисмларининг бир-бирига нисбатан сурилиши, кўчиши. Сейсмик силжиши. Муз қатламларининг силжиши.

СИЛЖИШМОҚ силжимоқ 1, 2 фл. бирг. н. (фақат одамларга нисбатан). Улар жойидан силжишмади.

СИЛИКАТ [р<лат] қ. силикатлар. СИЛИКАТЛАР 1 Таркибида кремний кислотаси тузлари бўлган минераллар (дала шпати, слюда ва ш. к.).

2 Шундай минераллардан тайёрланган материаллар (шиша, чинни, цемент, ғишт ва ш. к.).

СИЛҲИЙ [р<лат] айн. кремний. СИЛҚИЛАШМОҚ 1 Қийишмоқ, талашмоқ, тортишмоқ (савдода, битишувда). — Бир қанча силқилашишлардан кейин бой менга хизмат ҳақи учун ойига хом-пишиқ аралаш, она сунтидан ҳалол икки пуд ун, етти қадоқдан олма берадиган бўлди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Қаттиқ айтишмоқ, сен-менга бормоқ. Арзмаган нарсага силқилашиш қолишибди.

3 Бел олишувда, қурашда бир-бирини силтамоқ, силтаб тортмоқ, тортишмоқ. Мирзачўллик полвон Ғанишердан анча новча эди. Иккаласи бир-бир марта силқилашиб, бир-бирини бир оз сурғилашиб, куч синишиб кўришди. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи билан.

СИЛҚИМОҚ Куч билан силтаб у ён бу ён қимирлатмоқ; кескин, қаттиқ тебратмоқ, қоқмоқ. Шукржон фляганинг оғзини пастга қилиб, силжиган эди, ишидан иничка қилиб ўралган бир қоғоз тушиди. О. Ёқубов, Ота изидан. Қуда ая сўрида ечинмай ухлаб ётган кишининг оғидан силқиб уйғотди. С. Аҳмад, Пойқадам. Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб отнинг жиловини силқиди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Бош силқимоқ 1) бош(ни) қимирлатмоқ. Турсунбой ота эгарга қийишқ ўтириб, ҳиройи қила бошлади. От қийишқ мақомига бош силқиб аста-секин айртиб кетмоқда. С. Аҳмад, Хукм; 2) бош иргатмоқ. Секретарь ҳам унинг гапини тасдиқлагандек, вазмин бош силқиб қўйди. Ш. Ғуломов, Қалб ундайди. Ҳавода ўйнат-

моқ, у ён бу ён тебратмоқ. Қизини назарида она перронда ҳамон рўмол силқиб тургандек эди. С. Аҳмад, Мехрибон. Бектемир.. милтиғини ҳавода силқиб, ўртоқларига ишора қилди. Ойбек, Қуёш қораймас. Қанот силқимоқ айн. қанот қоқмоқ қ. қанот 1. Қўл силқимоқ 1) қўлни ҳавода у ён бу ён қимирлатмоқ, тебратмоқ. Ҳамма кўчада. Ҳамма унга оқ йўл тилаб қўл силқимоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) айн. қўл силтамоқ қ. силтамоқ. Али тажанг умидсизларча қўлини силқиб, туриб кетди. Бектемир унинг орқасидан хомуш қараб қолди. Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ ЭТАК СИЛҚИМОҚ айн. ЭТАК ҚОҚМОҚ қ. ЭТАК.

СИЛҚИНИШ 1 силқинмоқ фл. ши оти. Сухбат шунчалик қизиган эдики, ташқарида бўралаётган қор бўрони билан палаткаларнинг силқиниши унча сезилмас эди. Ғайратий, Узоқдаги ёр. 2 махс. Чайқалиш ва унинг натижасида етган шикаст. Умуртқани силқинишдан сақлаш.

СИЛҚИНИШМОҚ силқинмоқ фл. бирг. н. Кенг водий лолага бурканган, ранг-баранг тоғ гуллари яна ҳам чиройлироқ жилваланиб, баҳор насими билан ўйнашиб силқинишар, бўй сочишар эди. С. Абдулла, Қувғинда.

СИЛҚИНМОҚ 1 силқимоқ фл. ўзл. н. Ой тенага келган. Тол барелари шабадада силқиниб йилтирайди. С. Аҳмад, Хукм. Арава ғижирлаб борар, гап мавзудан мавзуга кўчар, Турғуной гапга аралашолмай, бедалар ичиде бир бог бедадай силқиниб борар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Мотоцикл тобора кучли силқиниб, сапчиб кетарди-да, ҳозир йиқиладигандай, синиб кетадигандай туюларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ўз гавдасини кескин кўтариб туширмоқ, қаттиқ тебратмоқ. Туя силқинса, эшакка юк чиқади. Мақол. — Кўйишқ айтсанг-чи, Турғуной, — деди Мастон бир силқиниб, устидаги юкларини яхшироқ ўрнаштириб. А. Қаҳҳор, Мастон.

СИЛҚИТМОҚ силқимоқ фл. орт. н. 1 айн. силқимоқ. Дастурхонни силқитмоқ. — Шамол зўрайиб, дарахтларни силқитган сари, барглари осмонга пириллатиб учирган сари, биз севи намиз. Ойбек, Кутлуг қон. Николин қўлидаги тўппончасини силқитиб олға томон юзурди. Ойбек, Қуёш қораймас. Биз ҳавога кўтарилидик, начальни қўл силқитиб, хайрлашанча қолди. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. — Урмонжон акамнинг жаҳллари хўп тез-да, — деди ва товуш чиқармай қорнини силқитиб кулди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Кўтариб ташламоқ, ларзага солмоқ. Момақалдиқдай кўкни силқитиб гумбурлаётган тўп отишмасини эшитди. Ойбек, Қуёш қораймас.

СИЛҚИШМОҚ 1 силқимоқ фл. бирг. н. Станция биқинидаги қувур-

лар устида қизлар қўйишқ айтиб ўтиришарди. Улар Моҳидил билан қўл силқитиб кўришишди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 айн. силқилашмоқ.

СИЛЛА Куч, қувват, тинка, мадор. Силлам йўқ. Силласи қуриди 1) куч-қуввати, тинка-мадори қолмади, ҳолдан тойди. Кечга томон Вали полвон силласи қуриб чайлага борди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда; 2) кўчма аҳволи танг бўлди, мадори қуриди. Биринчи жаҳон уруши ва граждандар урушидан силласи қуриб чиққан халқимиз.. социализм қуришга киришган даврни асламан. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 12; 3) қисилди, зорикди, толиқди. Ариқ қазувчиларнинг оқатдан силлалари қуриб, илклари пучайган... дармонсиз эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

СИЛЛИК 1 Ҳеч қандай ғадир-будурни, ғудури йўқ, тен-текис. Силлиқ қилиб рандаламоқ. — Тош шу қадар силлиқки, еғё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган-у, кўтаролмай ташлаб кетган дейсиз! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Сирпанчик, сирғанчик, сийқа. Силлиқ муз. — [Бектемир] нам, силлиқ қияликдан сирганиб, яна сугега «шалоп» этиб тушиди. Ойбек, Қуёш қораймас. Бежирим ва текис. Аҳмад Хусайн катта сингисини юпатди; кўзларида ёш қайнаган қизчаларнинг силлиқ соғларини силди. Ойбек, Нур қидириб. || У тахминан йигирма беш ёшларда бўлиб, бошида Бухоро амалдорлариникидай силлиқ ўралган оқ сала, венида.. адрас тўн, оёғида хром этик. Айний, Дохунда.

2 кўчма с. т. Қад-қомати келишган ва чиройли. [Ғаффор:] Қани, силлиқ қиз экан. Отга ўнгар! Таҳорат суви бериб юрар. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Олимжон, замонасига мувофиқ олифтанамо, ёшига қараганда чиройли, силлиқ киши эди. Ойбек, Кутлуг қон. Силлиқ тортмоқ тўлишиб чиройлилашмоқ. — Мен сени оледнигда, офтобда қурган туршакдек буришган, қоп-қора эдинг. Энди тўлишиб, тухумдек силлиқ тортиб кетдинг. — деди Жамолдин Нурига. С. Юсупов, Осон ишнинг охи бор.

3 кўчма Беками-кўст, равон (тил, услуб, нутқ ва ш. к. ҳақида). Силлиқ услуб. || Силлиқ ёзилган асар. — Почтаевнинг тўғри, силлиқ гаплари узоқдан дона-дона янграб эшитиларди. А. Мухтор, Туғлиш. Устоз Қўлмуҳаммад мақомни ғижжакда чалмоққа ҳаракат қилибди. Аммо силлиқ чиқмабди. Ойбек, Навоий.

4 кўчма Кишига қаттиқ тегмайди-ган; юмшоқ. Силлиқ муомала. — Эҳтимо, сўз ҳазинасидаги барча силлиқ сўзларни топиб, насихатгўйлик қилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || [Со-бир ака:] Силлиққана қилиб ёвоб бердим. Сен нима дейсан, аясиз? О. Ёқубов. | с. т. Бежанжал, бешиқал, текис. Хўжайин ўртага тушса, у вақт иш

силлиқ бўлиб чиқса керак, дейман. Ойбек, Қутлуғ қон. Силлиқ бораётган тақсимотнинг бирдан кўнгилсиз тус олгани баъзи янги аъволарни чўчиштиб, эсанкиратиш қўйди. П. Қодиров, Уч илдиш.

5 махс. Бир текисда, равон. || Тўғри, ишни қойил қиласан, машиналар доим силлиқ айланади. Ф. Мусажонов, Камтарин ишчи.

◆ Сувдан силлиқ чиқмоқ жанжалли ёки жиний ишдан беайб қутулиб чиқмоқ, «оппоқ» бўлиб чиқмоқ.

СИЛЛИҚЛАМОҚ 1 Ишлов билан силлиқ қилмоқ, сайқал бермоқ. Тошни силлиқламоқ. Деворни силлиқлаб сувомақ. — У, толдан қилинган янги кетмон сопини ойна билан қиртишлаб силлиқлар, хаёлида эса Эралини ачиштиб олаётган эди. А. Муҳиддин, Ганишер.

2 кўчма с. т. Ишлаб камчиликлардан холи, беками-кўст, равон қилмоқ. Услубни силлиқламоқ. Тилни силлиқламоқ. — Гулнор ўз дўсти, сирдоши Зайнаб билан маслаҳатлашиб йўлчиға хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган; отин қиз эса, Гулнор сўзларини силлиқлаб қоғозга кўчирган. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Текисламоқ, тўғриламоқ, юмшатмоқ, Ишкани силлиқлаб юбормоқ.

СИЛЛИҚЛАНМОҚ силлиқламоқ фл. мажж. н. Силлиқланган тош. Ишлари силлиқланиб кетибди.

СИЛЛИҚЛАТМОҚ силлиқламоқ фл. орт. н.

СИЛЛИҚЛАШМОҚ 1 силлиқламоқ фл. бирг. н.

2 силлиқламоқ 2, 3 фл. ўзл. н. Муомала силлиқлашди. Услуб анча силлиқлашибди.

СИЛЛИҚЛАШТИРИЛМОҚ силлиқлаштирмоқ фл. мажж. н.

СИЛЛИҚЛАШТИРМОҚ силлиқлашмоқ 1 фл. орт. н. Оҳангни силлиқлаштирмоқ.

СИЛЛИҚЛИК силлиқ с. белги оти. Сиртнинг силлиқлиги. — Алексейнинг одамлар билан муомалага усталлиги, камтарлиги, масалаларни жуда осойишта ва силлиқлик билан ҳал қила олиши Элмуродни қойил қилар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Бу ўзгаришининг силлиқлик билан ўтишига сира кўзим етмайди. А. Қаҳҳор, Сароб.

СИЛЛИҚЛОВЧИ 1 силлиқламоқ фл. ш. оти.

2 Сайқал берувчи, сайқалловчи ишчи, уста.

СИЛЛОГИЗМ [р < грек] Икки фикрдан чиқарилган учинчи фикр, хулоса.

СИЛОВСИН Мушуксимонлар онласига мансуб, тумшуги узун, кўзи жуда ўткир йиртқич хайвон. | Шу хайвоннинг териси, мўйнаси. || Бек бўлиб.. силосин тўн, зарли камар бойладинг. «Хушкелди».

СИЛОН Бўри ва итдан туғилган дурагай.

СИЛОС [р] қ. х. Чорва моллари учун

ўт, маккажўхори ва ш. клдан кертиб, ачнтиб махсус тайёрланадиган тўйимли озуқа. Силос бостирмоқ. — Ҳосил мўл, тобида силос қилмасанг, шираси камайиб.. кетади. Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

СИЛОСЛАМОҚ Силосхоналарда, силос иншоотларида моллар учун силос тайёрламоқ, бостирмоқ. Маккажўхори пояларини силосламоқ.

СИЛОСХОНА [р+ф+т] Силос бостириладиган иншоот, чуқур, ўра ва ш. к. Колхоз силосхоналари.

СИЛОХ [а] эск. кт. Қурол-яроғ, аслаҳа. Душманимиз ҳануз силоҳини тарк этмади. Ойбек, Навоний.

СИЛСИЛА [а] кт. 1 Маълум тартибда кетма-кет тизилган нарсалар ёки бирин-кетин юз берадиган ҳодисалар занжири, тизмаси. Деразалардан қорға кўйилган дарахтлар, томлар, дала ва узоқда тоғ силсиласи кўринади. Уйғун, Ҳуррият. [Нодира аянинг] хаёл тўла кўзлари дарё оқимини ёқалаб узоқ-узоқларга кетади, сўнгра.. тўлқинлар силсиласидан қудратли Вола дарёси намён бўлади. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

2 Сулола; шажара. [Мастура Норга:] Бу ишлар ўлимнинг кўланкасида битади, жоним. Ҳар касбнинг ўзига яраша силсиласи бор. Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 эск. айн. прогрессия.

СИЛТАМОҚ 1 Куч билан кескин тортмоқ ёки итармоқ. Отнинг жиловини силтамоқ. Варракни силтаб тортмоқ. — Қизи ётган уйнинг эшигини бир силтаб очди-ю, Меҳрининг ширин уйқуда ётганини кўрди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Аччиғи оловланган бир аёл у тўралардан бирига ёпишиб, зинадан настега силтаб тортди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Каттиқ гап билан оғзинга урмоқ, сўзини кесмоқ, жеркиб солмоқ. — Э, кўп бақирма, секинроқ, гилай! — силтаб деди [хотинга] бирдан ўзига келган Эшонхон. Ойбек, Улуғ йўл. Қизилтонг менга бир нарса дечмоқчи эди, жонажон ўртоғимни силтаб ташладим. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

◆ Орқага силтамоқ қ. орқа. Этак силтамоқ айн. этак силкимоқ қ. этак. Кўл силтамоқ 1) қўлни кескин силки-тиб салбий муносабат, рознолик ёки умидсизлик билдирмоқ. У [Мамасайд] Олахўжанинг биринчи келишида тўй харажатидан бўлак йегирма мине сўм сўради. Мамасайд бошини чайқади. Олахўжа кўл силтаб қайтиб кетди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) воз кечмоқ. Агар қиз мужмал жавоб берса, у вақт қўлиниги силтайсан-да, юрверасан! Ойбек, Қутлуғ қон; 3) «бўлмаса ғовлаб кетар» зайлида эътиборсизлик билан қарамоқ. Сиз билан биз, Тожибой ака, бу ишга раҳбарлик қилиш ўрнига кўл силтар эканмиз жиноят қилган бўламиз. П. Турсун, Уқитувчи.

СИЛТАНМОҚ 1 силтамоқ фл. мажж. н.

2 силтамоқ 1 фл. ўзл. н. Холлида кўлимдан беҳолгина силтаниб чиқди-ю, япроқлари оқжом шабадасида оҳиста силкиниб турган ўрик тагидан бурилиб, муюлида кўздан гойиб бўлди. Ҳ. Ҳошимов, Хаёлларга бўламан тутқун.

3 Орқага ташланмоқ, ўзини тортиб орқада қолмоқ. Нама учундир бир кўй тўддан орқага силтаниб қолиб, калта-калта йўтал аралаш маъраб, кўзларини жовдиратар эди. Ҳ. Ҳулом, Шум бола.

◆ Кейинга силтанмоқ кейинга сурилмоқ, судралмоқ, кечиктирилмоқ. Тўйнинг кейинга силтаниши.. тақдир иши; Рағнонинг тақдирини хонга битилган, ишунга бинаан Анвар тўйни кейинга силташга, битган ишни йитиришга мажбур эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИЛТОВ 1 силтамоқ фл. иш оти. Кўл силтов.

2 Кескин тортиш ёки итариш; кескин ҳаракат. Арқон бир силтовда узилди. — Яхшиликча кўйиб юбор, бўлмас, нақ дабдалангани чиқараман.— деди у .. ва силтов билан кўлимдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

3 кўчма Туртки, баҳона, сабаб. Тўй силтови билан тўн битар. Мақол.

4 кўчма с. т. Каттиқ гап, туртки, жеркиш. [Нодирнинг] келиноҳисига нисбатан илтифотсизлиги биллиниб турса ҳам, айтганини бажарар, ҳатто дағдаға, силтовларига бутуллаш ўрғаниб қолгандай эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СИЛУЭТ [р < фр] 1 Бирор фонда сидирға ранг билан ишланган ёки картон, фанера ва ш. клдан кесилган расм.

2 Шарпа, қора. Тоғ силуэти. — Чирок шугласида икки хотиннинг юзи, бурунлари бир-бирига тегар даражада яқин. Четдан қора силуэгдай кўринар, Назокатнинг товуши пичирлаб эшитилар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

СИЛҚИМОҚ с. т. Сирқимоқ. Унинг [Тоштемурнинг] кўли юганда, кўзлари ерда, отага қараёлмас, мангай тери чеккаларига силқир эди. Ҳ. Ҳулом, Тошкентликлар. Жўрабой ота Ботиралини кўрпачага ўтқазиб, этигини тортиб ечди. Қон этик кўнжига силқиб тушган эди. Ҳ. Ҳулом, Машғал.

СИЛҚИНДИ с. т. Сирқинди.

СИЛҚИТМОҚ силқимоқ фл. орт. н. Тоғоранинг чеккасига кафтини ҳовуч қилиб, гуруч сувини силқитаётган Хосият хола ялт этиб орқасига қаради. Р. Файзий, Қишиларишимиз қиссаси.

СИМ 1 1 Узун ип ёки чивик шаклидаги металл махсулот. Пўлат сим. Мис сим. Йўғон сим. Ингичка сим. || Сим тўр. Сим ғов. — [Ҳожаар:] Нима? Оғзингизни ёпинг! Молхонага сим билан тортиб қўйман, остонадан ўлиги чиқади. Ҳамза, Паранжи сирлари. Тиканли сим ғов, тўсиқ учун ишлатиладиган махсус сим. Ҳар қадамда ..

танкка қарши қазилган чуқур, бир неча қатор портилган тиканли сим. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Сим каравот** пружинаси симдан тўқилган каравот. Дереза ёнига қўйилган сим каравот устида чўзилиб ухлаган Қутбия Ҳамдамформанинг ақлу ҳушини тортди. Айний, Қуллар.

2 Электр ёки телефон линиясига тортилган ёки тортиладиган ўтказгич. **Электр сими**. **Телефон сими**. **Сим тортмоқ**. **Сим ёғоч қ.** ёғоч. **Сим қоқмоқ** с. т. телефон орқали гаплашмоқ, сўзлашмоқ; телефон қилмоқ. — Қомиланнинг пахтаси нечиқ? Бу тил ҳам Москвадаги улугларимизга сим қоқармикин? — сўради кампир. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Музыка асбобларининг металл ипи; металл тор. **Танбур сими**.

◆ **Сим жўяк** сим хаткаш ёрдамида тортилган жўяк, ариқ.

**СИМ II** [ф-т] кт. Кумуш, нуқра. **Хазинанинг симу зарра зўтиёжи не даражада!** Ойбек, Навоий.

**СИМБАР** [ф-т] *позт.* Сутдек оқ нозик баданли. *Осмоғна қарасам — юлдуз ўйнайди, Ерга боқсам — ёр кетишга қўймайди.* Юзига қарасам холи ярашиб, Симу симбарига кўзим тўймайди. «Кўшиқлар».

**СИМВОЛ** [р<грек] 1 айн. рамз 1. *Оқ каптар — тинчлик симболи.*

2 Бирор фанда қабул қилинган шартли белги, ишора. *Химиявий элементларнинг символлари.*

**СИМВОЛИЗМ** [р] 1 Символлар, рамзалар мажмуи.

2 19 аср охири, 20 аср бошларидаги буржуа адабиёти ва санъатида символларни предмет ва ҳодисаларнинг «сирли моҳияти»ни ифодаловчи муҳим восита деб билган антиреалистик оқим.

**СИМВОЛИК** [р] *символический*] Бирор нарсанинг, ҳодисанинг симболи, рамзи бўлган, символ тарзидаги; рамзий. *Символик тасвир. Символик образ.*

**СИМВОЛИСТ** [р] 1 Символизм тарафдори, символизмга амал қилувчи киши.

**СИМВОЛИСТЫК** [р *символистический*] Символизмга ва символистга оид, символизм руҳидаги. *Символистик асар.* | Символ тарзидаги, символик, рамзий. *Символистик образ.*

**СИМЁН** 1 Ориқ ва ранглар одам. *Туф де, кўзге тегади, касофат! Шу сўзингни менга айтсанг, тишингни суғуриб олардим. Кошкийди менда тиш бўлса-ю, сенда гавда, симён.* Ойбек, Кутлуғ қон.

2 *кўйма сўж.* Ярамас.

**СИМИЛЛАМОҚ** 1 Сирқирамоқ, зирқирамоқ. *Оёқларим симиллаб оғриятти.*

2 айн. имилламоқ.

**СИМИРИЛМОҚ** *симирмоқ* *фл. мажж. н.*

**СИМИРИШМОҚ** *симирмоқ* *фл. бирг. н.* Меҳмонлар қимизни роса симиршиди.

**СИМИРМОҚ** 1 Икки лаб орасидан сурункасига ичга тортиб ичмоқ.

*Низомжон ёнидан пул чиқариб столга ташлади-да, стакандаги винони симириб чиқиб кетди.* С. Ахмад, Уфқ. *Отанинг қўлига бериб қўбизни Кетидан тўтидилар тўла қимизни. Симириди-да, ота қўбизни тортди. Эшитганлар чуқур завқларга ботди.* М. Алавия.

2 *кўйма* Мириқиб вужудига сингирмоқ, ўзига олмақ, қабул қилмоқ. [Султонмурод] *ишқ дәрдини тотли май каби симиришдан гўё лаззатланади.* Ойбек, Навоий.

◆ **Сув келса симириб, тош келса кимириб** хар қандай қийинчиликларни енгиб, уларга бардош бериб.

**СИМКОР тар.** 1 Хўжайинлар томонидан шогирдларга ёки ёлланиб ишловчи ҳунармандларга ишбай асосида тўланган иш ҳақи. — *Йўқ, йўқ, — деб кулди уста Олим, — мен сизга ўхшаб дўконнинг устида сира тухум босган эмасман, симкорни кўзим қиймайди, десангиз мен ишонар эдим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ишбай асосида иш ҳақи олиб ишловчи шогирд ёки ҳунарманд.

**СИММЕТРИК** [р *симметричный*] Симметрия қонуни асосида жойлашган ёки ясалган; симметрияга эга бўлган. *Симметрик бино. Симметрик шакл.* | *Иншоот элементларини симметрик жойлаштирмоқ.*

**СИММЕТРИКЛИК** *симметрик* с. белги оти. *Иншоот элементларининг симметриклиги.*

**СИММЕТРИЯ** [р<грек] Бирор нарсанинг маълум нуқта, чизиқ ёки текисликка нисбатан қарама-қарши томонда жойлашган қисмлари ўртасидаги мутаносиблик, ўхшашлик, мослик, уйғунлик. *Марказий симметрия. Симметрия ўқи. Симметрия сақламоқ.*

**СИММЕТРИЯЛАМОҚ** Симметрия қонунига бўйсундирмоқ, симметрик қилиб ясамоқ ёки жойламоқ.

**СИММЕТРИЯСИЗ** Симметрия қонунига бўйсунмай ясалган ёки жойлашган, симметрик бўлмаган, номутованосиб, асимметрик. *Симметриясииз жисм.*

**СИММЕТРИЯСИЗЛИК** *симметриясииз* с. белги оти.

**СИМОВ** [ф-т, л. м. кумуш суви] Химиявий элемент, оддий температура шароитида суяқ холда бўладиган кумуш ранг оғир металл. Қўзлари бир юзурук симов, *Усма қўйган қошлари керик.* С. Акбарий. — *Дарбадарликдан, ўзимнинг симовдай беқарор саёқлигимдан жуда ўқинар эдим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулум, Шум бола. *Қишлоқ атрофини қуриш ётан тоғлар чўққиси симов тус олиб, йилтирай бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**СИМОБИ** [ф-т] Симоб рангидаги, кумушсимон оқ ялтироқ, кумуш ранг. *Симоби салла.* — *Симоби уфқлар чўйнинг ич-ицида аллақандай нуқраланиб, жимираб ётибди.* С. Акбарий, Чўлдаги парвоз.

**СИМОБЛИ** Таркибида, ичида симов бўлган. *Симобли руда.* | Симов воситасида ишлайдиган. *Симобли манометр.*

**СИМПАТИК** [р *симпатический*]: **симпатик нерв системаси** физиол. вегетатив нерв системасининг овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиши каби организмнинг ривож билан боғлиқ бўлган процессларни идора қилувчи қисми. **Симпатик сиёх** фақат қизитилганда ёки махсус химиявий эритма билан ишлаганда ранги очиладиган туссиз сиёх.

**СИМПОЗИУМ** [р<грек] Бирор илмий масала бўйича ўтказиладиган халқаро кенгаш. *Геолог олимлар симпозиуми.* — *Қизиқ, Ҳамдам ака қайси минтақага бориб, қай бир халқаро симпозиумда илмий доклад қилмасин.. мухбирлар етти пуштини суриштираверади.* С. Акбаров, Уқиган ўғил отадан улур.

**СИМ-СИЁ(Х)** Қоп-қора, тим қора; тим қоронғи. *Шу вақтгача йўлингиз сим-сиё тун эди.* Ойбек, Навоий.

**СИМРАЙМОҚ** Жаҳл туфайли чимирилмоқ, энсаси қотмоқ.

**СИМСИЗ** Сими йўқ, симдан фойдаланмай ишлайдиган. *Симдан алоқа.*

— *Бондарни симсиз телефон дейишлари бежиз эмас.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**СИМ-СИМ** *реш* Симиллаб, зирқираб, зирқ-зирқ. *Оёқларим сим-сим оғриди.*

— *Кунлар ўтди. Оёқ оғриғи анча болди.* Аммо энди унинг [Йишталанинг] *аъзойи-бадани мисдай қизиб, сим-сим зирқирайдиган, ўзи эса аҳён-аҳён лоҳас бўладиган бўлиб қолди.* С. Қароматов, Тоғ ғўзали.

**СИМТАРАШ** *диал.* Қашлағич.

**СИМФОНИК** [р *симфонический*] Камонли, пуфлаб ёки уриб чалинадиган чолғу асбобларидан иборат ансамбль ижросига мўлжалланган. *Симфоник музыка. Симфоник этюдлар. Симфоник оркестр.*

**СИМФОНИЯ** [р<грек] 1 Оркестр учун ёзилган, музыка характери ва темпи нуқтаи назаридан ўзаро фарқланадиган, одатда 3—4 қисмли йирик музыка асари. *Шостаковичнинг бешинчи симфонияси.*

2 *кўйма* Турли-туман товуш, ранг, оҳанг ва ш.к.нинг уйғунлашиб кетган қўшилмаси, тароналари. *Меҳнат симфонияси.* — *Қудратли техниканинг шовқин-суронли симфонияси ичида қиз ўз бахтининг ҳам нозик рубоби чертилганини эшитгандай бўлди.* Ҳ. Ғулум, Сенга интиламан.

**СИНАЛГАН** 1 *синамоқ* *фл. сфтди.* *Синалган ёв — уришга яхши.* Мақол.

2 Синовлардан, имтиҳонлардан ўтган, ишончли. *Синалган одам. Синалган қурол.* — *Орадан икки ой ўтди. Серёжа билан Володя партизан отрядининг энг яхши ва синалган разведкчиларидан бўлиб қолишди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

**СИНАЛМОҚ** *синамоқ* *фл. мажж. н.* *Ҳеч бир машина синалмадан чиқарила-*

майди. Мард майдонда синалади. Мақол. Эр йешиг бошига иш тушганда синалар. Мақол.

**СИНАМАЛИ** эск. 1 Амалда, тажрибада синаб кўрилган, синовдан ўтган.

2 айн. **татбиқий**. Синамали ҳандаса. **СИНАМОЛ** Текширилган, синалган, ишончли. Синамол от — Ҳозир улар менга синамол эмас. «Муродхон». — Менимча, биз.. синамол ўзгаришларни чўтга солмасдан тадбир кўрмоқдамиз, — деди Мир Алихон. С. Азимов, Қонли сароб.

**СИНАМОҚ** 1 Бирор йўсинда текширмоқ, текшириб кўрмоқ. Тайёр машиналарни синамоқ. Девателларни синов стендига ўрнатиб синамоқ. Культивациянинг фойдасини тажрибада синаб кўрмоқ. Дўстни бошинга қулфат тушганда сина. Мақол. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Мақол. — Адолатнинг ваъдаси ҳам шамолга учмасмикин? — Э, эзма! Нималарни вайсаялсан, Адолатни синамабидинг. И. Раҳим, Чин муҳаббат. У, баталовнда кнайпер деб ҳисобланмас эди-ю, лекин отида яхши бир снайпер каби маҳоратга эгаллигини ўзи биларди. Бунчи кўп марта синаганди. Ойбек, Кўёш қораймас. | Ишлатиб кўриб ёки истеъмол қилиб таъсирини аниқламоқ. Тоҳиржон киноя билан жилмайди: — Барча дорини синадим. Меники бедаво дард. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Билим даражасини аниқлаш учун синовдан ўтказмоқ, имтиҳон қилмоқ. Уқувчиларни физикадан синаб кўрмоқ. | Ўсмоқчилаб сўрамоқ, ўсмоқчиламоқ. — Иларни кўрганмидинг? — синамоқчи бўлиб сўради Нури. Ойбек, Кутлуг қон.

3 Бошидан кечирмоқ, бошдан кечириб кўриб, тотиб билмоқ, танишмоқ. Қарзга йўлиққандан кўра, балойи ногаҳонга йўлиққан яхши. Ҳаммасини синадик. Ойбек, Кутлуг қон.

**СИНАМОҚЧИЛИК** Ўсмоқчилаб текшириш, синаш. Унга [Ҳафизанинг онасига] шу керак эди — бу хабарни синамоқчилик учун ҳам айтган эди. Мирмуҳсин, Умид.

**СИНАТМОҚ** синамоқ фл. орт. н. Билимини синатмоқ.

**СИНАШ** 1 синамоқ фл. иш оти. Машиналарни синаш. Кўчини синаш. — Биринчи кўвнинг феъли-атвори унга маъқул тушмагани учун кўв бўлажак йешигни ҳар ёқлама текширишини, синашини истар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 айн. **синов** 2. Синаш стенди. Синашдан ўтмоқ.

**СИНАШМОҚ** 1 синамоқ фл. бирг. н. Улар меҳмонни хўп синашди. — [Қудрат:] Ҳозирча мен сиз билан бахт синашиб кўрмоқчиман. Н. Сафаров, Уйғонши.

2 Бир-бирини синамоқ, бир-бирининг хислат-фазилятларини яқиндан текшириб ўрганмоқ, синашга бўлмоқ.

Ҳамма фикру зикри, бутун борлиги билан кенг даврада кўч синашиб юрган икки зўр полвонга тикилиб қолган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИНАШТА** 1 Яхши синалган, оддиндан текширилган, таниш. Дадангиз бу тўғрида шундай бир мулоҳаза юргиздилар: ўз қўлимизда ўсган, мўмин-маъқул синашта қиз, сиримизга ошина. Ойбек, Кутлуг қон. Уйлаб-ўйлаб, яна ўзимга синашта бўлган Қува шаҳрига жўнаб кетдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. | Бир-бирини яхши синаган, яқиндан биладиган, бир-бири билан яхши таниш. Синашта бўлган дўстларинг билан елкадош туриб жанг қилиш ғалабанинг гарови, дейишади-ку эски солдатлар. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Бошдан кечирилган, синаб, тотиб кўрилган; таниш. Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**СИНГАРИЙ** айн. каби. Тошкент — Москва, Ленинград сингари катта шаҳар. — Ёвни кўрсанг шер сингари юриш қил, Чапаевдай майдон ичра уруш қил. Фозил шоир. Мен ҳам сен сингари йиғирма икки ёшимда қайнаб, тошиб юрган кезларим эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИНГАРМОНИЗМ** [р<грек] лингв. Туркий тилларда ва баъзи бошқа тилларда унлилар уйғунлиги, қўшимчалардаги унлиларнинг ўзақдаги унлиларга мослашуви.

**СИНГАРМОНИК** [р сингармонический] Сингармонизмга оид, сингармонизм қоидаларига, талабларига бўйсунувчи, шулардан келиб чиқадиган. Сингармоник мослашув.

**СИНГГА(К):** сингга(к) нон сингиб пишган нон. Дастурхончи.. дастурхон ёзиб, унинг бетига тандирдан энди узилган, буғланиб турган синггак нонлар.. билан тўлдириб ташлади. Ойбек, Навоий.

**СИНГДИРИЛМОҚ** сингдирмоқ фл. мажх. н. Қемасозликда ишлатиладиган тахта-ёғочга смола сингдирилди.

**СИНГДИРИШ** 1 сингдирмоқ фл. иш оти. Абдуҷалил тегиримончи мулла Обид ҳақидаги ўзининг васаасини уларга ҳам сингдиришга муваффақ бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 физ. Ютиш, абсорбция. Ёруғликни сингдириш.

3 айн. **ассимиляция** 3. **СИНГДИРМОҚ** сингмоқ фл. орт. н. Тахта-ёғочларга мой сингдирмоқ. Билимини мияга сингдирмоқ. Овқатни тез сингдирмоқ. — Ёш-да, еганини яхши сингдиради, — раис аския-олмуз жавоб берди. С. Маҳмамов, Шогирд. Найманча тинч, қўларнинг юшмоқ чани кўёш таптини ўзига сингдириб, кўпириб ётарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**СИНГДИРУВЧАН** физ. Ўзига тез сингдириб оладиган, тез ютадиган, шимадиган.

**СИНГИЛ** (3-ш. бирл. сингли ва

синглиси) 1 Бир ота-онадан туғилган қизларнинг кичиги (опаларига, ақаларига нисбатан). Кичик сингил. Ўртанча сингил. — Энди Адолат учун мен жавоб берай. Бозорова берадиган сингелим йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Солиҳ маҳдум онаси ва ўн олти ёшлик Наима исмли синглиси билан Қўқонда қолди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Ўзидан кичик қизларга, аёлларга муржоат формаси. — Бақақуруллоқ шуми, сингилм? — деди Сидиқжон отнинг бошини тортиб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Офтоб ойимни.. Ўзбек ойим ўтказгани жой топмас, куда сўзи ўрнида сингилм деб хитоб қилар, ошини ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кайни сингли айн. қайсингил.**

**СИНГИЛЛИК** сингил с. маъв. от. Сингиллик қилмоқ. — Шунчи қолдига солиб бермасангиз бўлмайди, сингилм. Бир сингиллик қилинг! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СИНГИМОҚ** 1 Шимилиб ёки сизиб ички қатламга, қисмига ўтмоқ. Мой бўёқ тахтага яхшигина сингийди. — Улар: «Ер тўймагунча, эл тўймас, лалмикор қирларнинг тупроғига қор суви сингимагунча бўғдой уммайди» деб нолир эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қумга сингиб кетгандай ёки кумга сингган сувдай** 1) бекор, беҳуда, нафсиз. Шунча берган таълимларим қумга сингган судай сингиб кетаверипти-да. «Латифалар»; 2) жимжит, сув қўйгандай. Қомбат шаҳарда мудофаа тутшига буйруқ берди. Душман қумга синиб кетгандай жим эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 **қўйма** Бағрига, қўйнига ёки рангига, тусига кириб йўқолмоқ ёки бирдек бўлиб, эриб кетмоқ. Тун бошланиб, кекса Самарқанд Сингиб кетди унинг қўйнига. Р. Файзий. Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Қумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳазм бўлмоқ, ўзлашмоқ (овқат, озиқ ҳақила). — Уч тутам ҳола, уч танга пул, — деди.. йиғитча. Агар ҳаммасини есангиз, ош бўлсин, сингисин. Айний, Эсдаликлар.

4 физ. Ютилмоқ, шимилмоқ. Ёруғликнинг жисмга сингиши.

5 **қўйма** Мустаҳкам ўзлашмоқ, чуқур ўрнашиб олмақ, жо бўлмоқ. Янги ахлоқ нормалари халққа синиб бормоқда. — Жўрабевнинг, кўриқ ва бўз ерлар ҳосил хазинасидир, деган доно сўзлари Муроталининг хотирасида абадий қолди, Ойқизнинг юрак-юракларига синиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шу маъно ҳаётим, виждоним бўлиб, Барча мушкулларни енгишга қодир, Қудрат, севинч бўлиб сингиган дилга. Зулфия. Каттароқ вазифадаги кишиларга ҳушмадгўйлик қилиб, ўзидан кичикларга.. кўзининг пахтасини чиқариб кўрслик қилиш унинг [Тўқсоновнинг] суяига сангиб

қолган хусусиятларидан эди. П. Турсун. Ҳўқитувчи.

◆ Сингиб пишган нон қизариб, мағизлагача яхши пишган нон.

**СИНГИР айн.** пай 1.

**СИНГИТМОҚ сингимок фл. орт. н.**

**СИНГИШ 1 сингимок фл. ши оти.**

2 физ. Үтилиш, абсорбция.

3 айн. ассимиляция 3. Тилларнинг сингиши.

**СИНГИШИМЛИ айн. киришимли.** Чолинг сингишимлиги ва одамхонлиги Валивоёга ёқиб тушганди. Х. Назир, Одамнинг қадри.

**СИНГИШИЛИ** Яхши ҳазм бўладиган, тез сингийдиган, ўзлашадиган, енгил (овқат, озиқ ҳақида).

**СИНГИШМОҚ 1** Чуқур ўрнашмоқ, ўзлашмоқ, жо бўлмоқ, сингмоқ, сингимок. Оқшош тинчлигида оламнинг бутун ёғзалликлари кўнглимга сингишиб киргандай бўлади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Кўзларига ўрнашган, сингшиган гам кетмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бағрига, қўйнига ёки рангига, тусига кириб йўқолган, бирдек бўлиб эриб кетмоқ. Қиз туннинг қора бахмали билан сингишиб кетгандек эди. А. Мухтор, Туғилиш. Тоғлар, қирлар, далалар оқшом тушиб, қош қорая бошлаган, атрофдаги дарахтлар, уйлар ва экинзорларнинг бари бир-бирига сингишиб, кўкмиртир туман пардасига ўралаётган эди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

3 кўчма Ҳўрганиш, одат бўлиб қолмоқ, ўзлашиб кетмоқ. [Кандолатхон] эри устидан ҳўкромлигини Ҳўсниддинга ҳам кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Ҳўсниддинга бу қилиқ сингшимай, аввал бир неча кун таъби тирриқ юрди. Мирмухсин, Фёлан кучсизлик. Чикишиб, яқин кишилардек бўлиб қолмоқ. Янги коллективда у тезда сингишиб кетди.

**СИНГМОҚ айн. сингимок.** Ҳар бир мажлиснинг охирида айтиш расм бўлган, тан ва қонга синган, «Интернационал» гуркиради. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Оғирлашар кийриги, қоши Ҳўқу босар қисқ кўзларин, Синггар нарқув ёстиққа боши, Тонг нурлари ювар юзларин. Х. Пўлат.

◆ **Меҳнати синган меҳнати сарф** бўлган, меҳнати кетган. Элмурод янги мактаб биноси қишлоқ тарихида нақадар улғу ишга озми-кўпми ўз меҳнати синганини ўйлаб ўзидан-ўзи гурланди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**СИНДИКАЛИЗМ** [p<фр] сисс. Халқаро ишчилар ҳаракатида: сиёсий курашни рад этиб, ишчилар фақат касаба союзлар тузиш, иқтисодий кураш олиб бориш билан чекланиши керак, деб даъво қилувчи оппортунистик майда буржуа оқими.

**СИНДИКАЛИСТ** [р] Синдикализм тарафдори, синдикализм йўлини тутувчи.

**СИНДИКАЛИСТИК** [р синдикали-

стский) Синдикализмга ва синдикалистика оид. Синдикалистик оғмачилик.

**СИНДИКАТ** [p<фр] 1 эк. Катта фойда олиш мақсадида тузиладиган капиталистик монополияларнинг бир тури (бунда бирлаштирилган корхоналар ишлаб чиқариш соҳасида ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда, савдо-сотиқда мустақиллики йўқотади).

2 Франция ва бошқа баъзи мамлакатларда касабалар союзининг номи.

**СИНДИРИЛМОҚ синдирмоқ фл. мажж. н.** Ҳишт битта ҳам синдирилмади. — Ҳуломжон айвонда отаси билан турар, столларнинг қирсиллатиб синдираётганини эшитиб, худди ўз қовургалари синдирилаётгандек жони оғрир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИНДИРИШМОҚ синдирмоқ фл. бирг. н.** Болалар копток тепиб ойналарни синдиришибди. — Гўрга тикилгур очофатлар, мол талашиб, сандиқни ҳам синдиришди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СИНДИРМОҚ синмоқ фл. орт. н.** Тош синдирмоқ. Перони синдириб қўймоқ. Иш юришмаси, булмақ дандон синдирар. Мақол. — Менинг отам бўзчи эди. Бойлар уни синдирган, бўзчиликни йиғиштириб қишлоқдан тамаки келтириб позкичилик қилди. Ё. Шукуров, Касос. Аламлар, ғамлар синдирган маънос товуши билан ишверлади: — Нима қил дейсиз, Ҳуломжон ака? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Белини синдирмоқ қ. бел 1.** Илгиринги (ёки оёгинги) синдираман дўқ-пўписа учун ишлатиладиган ибора. Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола! .. Илгирини синдираман-у, касалингни боқиб ўтираверман. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. **Нон** (ёки патири) синдирмоқ айн. нон ушатмоқ қ. ушатмоқ. Тийин устида тиш синдирадиган одам жуда қаттиқ, зиқна одам. Тишини синдирмоқ қаттиқ фириб ёки шикаст емоқ. Рашкли иш, синдирар тиш. Мақол. **Хари** (ёки чўп) синдирмоқ бирор киши ҳеч қутилмаган ишни қилганда айтиладиган ибора. **Шоҳини синдирмоқ қ. шох П.** Қанотини синдирмоқ қ. қанот 1.

**СИНИЛЬ** [р синильный]: синиль кислота хим. водород билан циан бирикмасидан иборат туссиз, заҳарли, ачимсиқ хидли суяқлик.

**СИНИ-СУМБАТ** диал. Ташқи кўриниш, қиёфа, бўй-баст, қад-қомат. Ҳўб йиғит экан. Балли отанга, сини-сумбатинга. «Равшан».

**СИНИШ 1** синмоқ фл. ши оти. Ҳеч ким, ҳеч вақт севган кишининг бошида калтак синишини истамайди. И. Раҳим, Ихлос. Конкуренция қилувчи капиталист билан конкуренция қилувчи миллатнинг синишидан капитал ютиб чиқади. В. И. Ленин, Интернационалнинг ҳалокати.

2 физ. Бир мухитдан иккинчи мухитга ўтишда ёруғлик йўналишининг

ўзгариши. Ёруғликнинг қайтмиши ва синиши. Синиш бурчаги.

**СИНИҚ 1** Синган, бирор ери учган ёки дарз кетган. **Синиқ пиёла.** || **Соғол синиқлари.** — [Йўлчи] — синиқ тегиримон тошга ўтириб, узоқ вақт бош қотирди. Ойбек, Қутлуг қон. [Ҳадича буви] ўғли не-не азоб билан ясаган столлар, ўриндиқларнинг ташқарига чиқариб уйлаётган синиқларини кўриб дод солиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Синиб ишдан чиққап, яроқсиз. **Синиқ арава.** — Тўтибди алаққерда чанг босиб ётган синиқ дўторни олиб чиқиб артаётганида Тожибой жириб келди. С. Зунунова, Гулхан.

3 кўчма Кути ўчган, нурсиз; сўлғин. Ҳўш. аҳволлар қалай, нима вап, қомандировка ёқмабдими, раянсиниз синиқ. Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. Ёрқиной ўзини анча олдиран... Кўзлари аввалгидай чақноқ, аммо синиқроқ; юзи, бурни сал ибзиладандай. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. | **Машқи паст.** бўшашган, сўнги, маънос.— Сиз виндонда қулфатда-ю, бошқалар ишратда,— деди Бахри синиқ товуши билан. Х. Ҳулом, Машғал.— Усмоножоннинг онаси кексамикин? Яна кимлари борикин?! Отаси бормикин? Етимликда ўсанми, жуда синиқ йиғит кўринадди,— йўлади Адолат. С. Зунунова, Гулхан.

◆ **Кўнгли синиқ** кўнгли вайрон бўлган. Бўйни қисик, кўнгли синиқ биронинг мулоийм сўзи ва очик чеҳрасига зор Элмурод Рамазон қорининг насихатларини бош эгиб тинлар... эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Синиқ чизик мат.** бурчак ҳосил қилиб йўналишини ўзгартирган чизик.

**СИНИҚЛИК синиқ с. белги оти.** Пиёланинг синиқлиги билинмай кетибди. Руҳий синиқлик. Кўнгли синиқлиги. — Албатта мени олам,— деди Нозик, унинг товушида шу чоққача эшитилмаган бир синиқлик оҳанги бор эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**СИНИҚ-МЕРТИК** У ер-бу ери синган, учган ёки дарз кетган; чақа. **Синиқ-мертик** идишлар. — Уртада манқалдонда олов; олов атрофида синиқ-мертик чойнақлардан уч-тўрттаси терилган. Ҳ. Ҳулом, Шум бола.

**СИНИҚМОҚ** Ҳўзини, рангини олдиримоқ, бир қадар озмоқ; сўлмоқ, сарғаймоқ. Ранги синиқибди. — Туни билан мижжа қоқмай тонг оттирган Унсин тоқчадаги ойнага қараб, бир кунда шунчалик синиққанидан ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ойбек, Қутлуг қон. У [Маҳмуд] узоқ ётган касалдек синиқиб қолган эди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.— Адолат тушмагур [Рисолатга] кўп алам ўтказган кўринадди. Қўйимлари ҳам бир ҳолатда. Ранги ҳам синиқиб кетган,— деди Муҳаммад Носир. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. **СИНИҚЧИ** диал. Синган-чиққанини тузатувчи табиб.



**СИНИҒАР** сўж. Нафрат, ғазаб, қаттиқ койиш ифодалайди.

**СИНЛИ** диал. Бўйи-басти, қад-қома ти келишган. *Синли, синли, синбатлим, Қора шердай ҳайбатлим.* «Кўшиқлар».

**СИНМОҚ** 1 Ушалиб, парчаланиб бўлақларга ажрамоқ, парчаланмоқ. *Шиша синди. Қалам синиб қолди. Кўза кунда синмайди, кунда синади.* Мақол. *Қайин дарахтининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — йлгани.* Мақол. *Чол унга қарайман деб қўлидаги чойнакни тушириб юборди. Чойнак синди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Ел кетма-кет бўкирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қурс синар, кекса ёғочлар «ғийқ-ғийқ» этиб ёлвориб товуши чиқарар эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Зарб еб шикаст топмоқ (ғавда суякларни ҳақида). *Иттифоқ бўлинлар. Ҳар бир ишда иттифоқлик яхши. Ҳа, қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи тағида бўласин.* П. Турсун, Уқитувчи. *Эртасига Раҳматиллани қўли синган, боши ёрилган ва ҳушсиз бир ҳолатда мактаб ёнидаги бир чуқурликдан топиб касалхонага жўнатишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бели синди** 1) бели шикаст топди. *Қопни кўтарман деб белим синаёзди;* 2) кўйма зарбага учради, хонавайрон бўлди. [Азизбой:] *Ҳо, ҳо.. Кўп чиранма, Пўлат! Азизбой билан олишганлардан кўпининг бели синиб кетган-а!* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Оёғим синсин** қасам маъносида ишлатиладиган ибора. *Мен ҳеч қачон борганим йўқ. Сиз кетганингиздан бери остонадан ҳатлаган бўлсам оёғим синсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Пахта терсанг тоза тер, чанғида қолмасин. Чечан теримчи қизлар Қўлинг синсин демасин.* «Кўшиқлар».

2 Шикастланиб ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. — *Хафа бўлманг, ака,—деҳқоннинг елкасини қоқиб юпатади Йўлчи, фалокат эмас, арава синади, тузатилади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Синган сози қайтадан Тилеа киргандай, Хазон бўлган баҳори Гулга киргандай.* Ғайратий.

3 эк. Конкуренцияда, рақобатда енгилмоқ, банкрот, хонавайрон бўлмоқ, банкротликка учрамоқ. [Саидахмад] *замон жуда лоқаланиб кетпти, ҳали қарасанг у бой синибди, ҳали қарасанг, бу бой.* Ойбек, Улуғ йўл. *Дарвеш бобо .. Тошкент шаҳрига келиб пахтафурушлик қилиб юриб анчагина бойиган, кейин негадир омади кетиб, синган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Мусахон билан Алиқулнинг савдо-сотик ишлари революциядан сўнг бирдан синмаса ҳам аста-секин сўниб борди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *Кўйма Маънавий зарба еб, шикаст топиб вайрон бўлмоқ. Одамнинг кўнгли нозик бўлади; бир кичкина нарса билан ё синади, ё кўтариллади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. — *Агар боланинг руҳи*

*синмаса, шунақа бетга чопар, каттага сўз қайтарадиган, қайсар бўлади,—деди [Ақбархўжа].* П. Турсун, Уқитувчи. | Букилмоқ, эгилмоқ. *Ҳақиқат букилар, аммо синмас.* Мақол. *Улуғ Ватан севиси билан ўсиб, қаддине кўтардине баланд. Пўлат қандай синмас ироданг Доҳий Ленин меҳрига пайванд.* Ғайратий.

◆ **Бели синмаган** пул янги, шалди роқ пул.

**СИНОАТ** [а] Ажиб иш, ҳодиса. *Бу қандай синоат? — Бой эрталаб кетиб, кеч қайтади. Уйдаги синоатни яхши билмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СИНОВ** 1 **синамоқ** фл. иш оти. 2 Сифатини, хислат-фазилатини, яроқлилигини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш. *Янги машиналарни синовдан ўтказмоқ. Синов стенди.*

— *Синов устида мен бор эдим,—деди Ҳасаннинг жавобини тасдиқлаган Ҳамдамформа.— Сеяланинг ўзи жинни машина экан. Айний, Қуллар. Гулнорни синовдан ўтказгандан кейин, Нурида ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | **Хислат-фазилатларини, сабот-матонатни ва ш. к. ни намоён этувчи воқеа, ҳодиса, иш; имтиҳон.** *Пахта терими чевар қизлар учун синов дейдилар.* — **Юзцентнерчилик улар учун яна бир синов.** Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Билимини, маҳоратини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш; имтиҳон. *Институтда синовлар бошланди.* — *Ун беш кунлик синовдан кейин тракторчи номини олдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**СИНОВЧАН** Тез синаб, билиб олувчи ёки шунга интилувчи (кўз ва кўз қараш ҳақида). *Отинойи .. эрига синовчан назар билан қаради.* Ғайратий, Махдум қочди. *Шерали синовчан кўзларини Савчукка тикди.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон. У [Арслон] *Султонбеkning кўзига жиддий ва синовчан разм солиб, жўш ураётган қалбини, ҳаяжонини унга сездирмай, уни бамайлхотир сўроқ қилади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**СИНОВЧИ** 1 **синамоқ** фл. иш оти.

2 Имтиҳон олувчи, текширувчи.

3 Ишда, амалда махсус синовдан ўтказувчи мутахассис. *Синовчи учувчи.*

4 *кам қўлл.* Синовчан, синчов (асосан кўз, назар ҳақида). У [Нури] *истеҳзо билан илжайди, синовчи кўзлари билан қизга [Гулнора] узоқ тикилиб турди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Махдум унга синовчи назар билан тикилиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИНОД** [р<грек] Революциядан илгариги Россияда: рус православ черковининг олий коллегиал органи; ҳозирги вақтда — патриарх қошидаги маблаҳат органи.

**СИНОДИК** [р синодический <грек] астр.: синодик давр Ердан кузатилаётган планетанинг бир айлиниб Қуёшга нисбатан дастлабки вазиятига қайтиш учун кетадиган вақт. **Синодик ой** Ой-

нинг иккита бир хил фазаси орасидаги (мас. ой кўринган кундан янаги ой кўринадиган кунгача бўлган) вақт; тақ. **сидерик: сидерик давр, сидерик ой.** **СИНОЛОГ** [р] Синология олими, мутахассиси; хитойшунос.

**СИНОЛОГИК** [р синологический] Синологияга, хитойшуносликка оид. *Синологик тадқиқотлар.*

**СИНОЛОГИЯ** [р<лат+грек] Хитой тарихи ва маданияти, тили ва адабиёти ҳақидаги фанлар мажмуи; хитойшунослик.

**СИНОНИМ** [р<грек] лингв. Товуш состави, талаффузи жиҳатидан бошқа-бошқа, аммо маъноси бир, ўхшаш ёки жуда яқин сўзлардан ҳар бири. *Ўзбек тилидаги синонимлар.* || **Синоним сўзлар.**

**СИНОНИМИК** [р синонимический] лингв. Бир-бирига синоним бўлган; маънодош. *Синонимик сўзлар.*

**СИНОНИМИКА** [р] 1 Бирор тилнинг синонимлари мажмуи.

2 Лексикологиянинг синонимлар ҳақидаги бўлими.

**СИНОНИМИЯ** [р<грек] лингв. Сўзларнинг маъно жиҳатидан яқинлик, маънодошлик ҳодисаси.

**СИНОПТИК** [р] Об-ҳаво ва уни олдиндан айтиб берувчи мутахассис; метеоролог.

**СИНОПТИК** [р синоптический] Об-ҳаво шароитларига, метеорологияга оид. *Синоптик кузатишлар.*

**Синоптик карта** айни бир вақтда турли ерларда об-ҳавонинг турли элементлари (температура, босим, шомол тезлиги ва ш. к.) устида олиб борилган кузатишларнинг натижалари акс этирилган географик карта (бундай карта об-ҳавонинг яқин бир-икки кунда қандай бўлишини олдиндан айтиб беришга имкон беради).

**СИНОПТИКА** [р<грек] Об-ҳаво ва уни олдиндан айтиб бериш ҳақидаги илм.

**СИНТАГМА** [р<грек] лингв. Бир ёки бир неча сўздан иборат синтактик, интонацион маъно бириги.

**СИНТАКСИС** [р<грек] лингв. 1 Бирор тилга; хос гап қурилиши, гапда сўзларнинг бирикши усуллари. *Ўзбек тили синтаксиси.*

2 Грамматиканинг гап ва гапда сўзларнинг ўзаро бирикшини ўрганадиган бўлими.

**СИНТАКТИК** [р синтаксический] Синтаксисга оид. *Синтактик таҳлил.* *Сўзнинг синтактик вазифаси.*

**СИНТЕЗ** [р<грек] 1 Нарса ва ҳодисаларни бутун бир ҳолда ва уларнинг таркибий қисмларини ўзаро узвий боғланишда олиб ўрганишдан иборат илмий-тадқиқот усули; *акси анализ* 1. *Синтез — шундай бир мантиқий усулдирки, буюм ва ҳодисанинг анализ билан бўлинган айрим қисмларини биз шу усул ёрдами билан фикран бириштириб бир бутун ҳолига келтирамиз.* «Логика».

2 *хим.* Содда химиявий бирикмалар-



дан ёки элементлардан мураккаб бирикмалар ҳосил қилиш ёки шундай бирикмаларнинг ҳосил бўлиши. *Усимлик ёруғда сув билан карбонат ангидриддан оддий шаклар синтез қилади.* «Дарвинизм асослари».

3 *кўчма* Умумлашган бирлик, умумлашма. «Зайнаб ва Омон» поэмаси Хамид Олимжоннинг *Улуғ Ватан урушидан бурунги ижодий фаолиятининг синтезидир.* «Ўзбек совет адабиёти».

**СИНТЕЗЛАМОҚ I** Синтез йўли билан текширмоқ, умумлаштирмоқ, бирлаштирмоқ, синтез қилмоқ.

2 *хим.* Синтез йўли билан ҳосил қилмоқ, олмақ, синтез қилмоқ. *Янеи препарат синтезламоқ.*

**СИНТЕЗЛАНМОҚ** синтезламоқ *фл. ўзл. ва мазҳ.* н.

**СИНТЕТИК** [р синтетический] I Синтезга, бутунлигича узвий боғланишда олиб текширишга асосланган. *Тадқиқотнинг синтетик усули.*

2 Узвий боғланишда бириктиб умумлашган, узвий боғланишда умумлаштирилган. *Синтетик образ.*

3 Синтез асосида ҳосил қилинган, олинган. *Синтетик каучук. Синтетик тола. Синтетик полимерлар.*

**СИНУВЧАН** Салга синадиган, мўрт. *Синувчан гишт. Қариганда суяк синувчан бўлиб қолади.*

**СИНУВЧАНЛИК** синувчан с. белги *оти.* Шишанинг синувчанлиги.

**СИНУС** [р<лат] *мат.* Бурчак қаршидаги катетнинг гипотенузига нисбатидан иборат тригонометрик функция. *Бурчакнинг синусига қараб унинг катталигини аниқламоқ.*

**СИНУСОИДА** [р] *мат.* Синуснинг бурчак ўзгаришига боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришини тасвирловчи эгри чиқиқ.

**СИНФ I** [а] *сиёс.* Одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян тарихий ўрин тутган, ишлаб чиқариш воситаларига бир хил муносабатда бўлган, ижтимоий меҳнат ташкилидаги ва ижтимоий бойликларнинг тақсимидаги роли бир хил бўлган, умумий манфаатлари билан бирлашган катта ижтимоий гуруҳи. *Ишчилар синфи. Синфлар кураши.* ■ *Синфларни тугатмоқ учун, биринчидан, помешчикларни ағдариб ташлаш керак.* В. И. Ленин, Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат.— *Қулақларнинг синф бўлиб яшашини тугатиш сиёсати жуда зўр қатъият ва изчиллик билан ўтказилиши лозим, бунга эса фақат большевикларнинггина қурби етади.*— *деб газетадан ўқиди Элмурод.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

**СИНФ II** [а] I Бошланғич ва ўрта мактабларда бир ўқув йилини ўз ичига олган ҳар бир поғона. *Биринчи синф.* ■ *Мен бу йил ўнинчи синфни битирган эдим.* Мақсадим олий мактабга кириб, расом бўлиш эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ўқув юртида машғулот ўтказиладиган хона, аудитория. *Ёруф*

*синф. Синф досқаси.* ■ *Вақт эрта бўлгани учун, Ғуломжон синфни сулуриб-сидираётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бир синфдаги болалар, ўқувчилар. *Синф раҳбари.* ■ *Синф бир оғиздан «Ассалоому алайкум!» деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИНФДОШ I** [а+ф-т] Бир синфга, ижтимоий гуруҳга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан).

**СИНФДОШ II** [а+ф-т] Бир синфда ўқувчи ёки ўқиган болалар, кишилар (бир-бирига нисбатан). *Биз иккимиз синфдошимиз. Синфдошлар билан учрашув.* ■ *Элмуроднинг таниши-билиши ва синфдошларидан қимлар ҳарбийга олинганини санабди Муҳаррам.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**СИНФИЙ** [а] Синфларга, ижтимоий гуруҳларга оид. *Синфий қарама-қаршиликлар. Синфий кураш.* ■ *Синфий душманлар активлашган бир вақтда қоронғи кечада, хилват кўчада уни [Фотимани] ёлғиз юбориш тузук эмас эди.* Айний, Қуллар. | Бирор синфга хос бўлган, бирор синф манфаатларини, ғояларини ифодаловчи, бирор синф руҳидаги. *Синфий оғ.*

■ *Булар алданганлар. Буларни бой алдаган, буларга ўз синфий манфаатларини тушуинтириш, янглиш айўдан чиқариш керак.* Айний, Қуллар.

**СИНФИЙЛИК** синфий с. белги *оти.* Адабиётнинг синфийлиги.

**СИНФСИЗ** Синфлари, ижтимоий гуруҳлари бўлмаган, синфларга бўлинмаган. *Синфсиз жамият.*

**СИНФСИЗЛАШМОҚ** Ижтимоий ишлаб чиқаришдан ва ўз синфидан узилиб қолмоқ, синфий хусусиятларини йўқотмоқ. *Капиталистик жамиятнинг синфсизлашган элементлари.*

**СИНХРОН** [р синхронный] Бир-бирига мос равишда, аяни бир вақтда, баббаравар содир бўлган ёки бўладиган, синхронизмга, синхронликка эга бўлган. *Синхрон айланиш. Синхрон ҳодисалар. Ҳаракат билан товушини синхрон равишда ёзиб олиш.*

◆ **Синхрон двигатель тех.** моторининг айланиш сони магнит қўтларининг сонига ва ток частотасига боғлиқ бўлиб, доим бир хилда сақланадиган электр машина.

**СИНХРОНИЗАТОР** [р] *тех.* Маълум процессларни ёки машина, механизм ва ш. к.нинг ишини синхронлайдиган, ўзаро мувофиқлаштирадиган, мослаштирадиган аппарат, қурилма, мослама.

**СИНХРОНИЗМ** [р<грек] Икки ёки бир неча ҳодиса, процесс ва ш. к.нинг бир-бирига мос равишда аяни бир вақтда, баббаравар содир бўлиши.

**СИНХРОНЛАМОҚ** Икки ёки бир неча ҳодиса, процесс ва ш. к.ни ўзаро мос равишда аяни бир вақтда, баббаравар содир бўладиган қилмоқ.

**СИНХРОНЛИК** синхрон с. белги *оти.* Ҳаракатларнинг синхронлиги.

**СИНЧ** *бнк I* Деворнинг таглик ёғоч билан саррови ўртасига қадалган ёғочлар. *Аллақачон ўтинхонага айланган*

*бодоҳоналарнинг қинғир-қийишқ синчлари сувласи тушиб қирчанғи отнинг қовурғасидай саналиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. || *Синч девор синч қадаб қурилган девор. Синч уй деворлари синч қадаб қурилган уй.*

2 Иморатнинг, деворнинг шу қисми учун боп ёғоч. *Иморатга синч олмақ, Синч қадамоқ.*

**СИНЧАЛАК** *диал.* Читтак.

**СИНЧАЛОҚ** *диал.* Жимжилоқ.

**СИНЧИ** Отларнинг зотини, ёшини, феъл-атворини яхши биладиган одам. [Шербек] *отнинг тилини Йўлдош новчадай биладиган синчи йўқлиғида иқдор бўлса-да, бирор марта номини оғзига олмаган эди.* С. Анорбоев, Оксой.

**СИНЧИКЛАМОҚ:** синчиклаб зўр диққат билан, майда-чуйдасигача, икир-чккиригача қолдирмай, ипидан игнасиғача, миридан сиригача. *Синчиклаб қарамоқ. Синчиклаб текширмоқ.* ■ *Ҳали бирорта ҳарф ёзилмаган қора доскани шонмасдан синчиклаб кўздан кечирди ва Утапдан: — Муаллим ким? — деб сўради.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Бектемиров Низомиддинонинг қўлидан папкани олиб, Ёўтабой устидан тушган аризаларни синчиклаб ўқиб чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**СИНЧИЛИК** синчи с. касб *оти.* Баракалла Равшаннинг синчилиғига, биз ҳам синчилик даввосини қилиб юрган эканмиз, синчилик мана бундай бўлар экан. «Гўрўғли».

**СИНЧКОВ** Синчиклаб қарашга, ўрганишга, текширишга одатланган, ҳеч нарсани назар-эътибордан четда қолдирмайдиган, ортиқ зехн қўювчи. *Синчков назоратчи.*

**СИНЧКОВЛИК** синчков с. белги *оти.* Қузатувчининг синчковлиги.

■ [Пирназар] *ўтирган жойида дарвозага, боғ эшигига, қўшни деворларга синчковлик билан бир-бир қараб олди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Хусайн синчковлик қилвергач, Навоий хижолатли вазиятдан чиққиш учун: «Шоҳим мендан нима истайдилар» деб қатъий сўрайдди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**СИНЧКОР** Деворлари синч қадаб қурилган; синчли. *Синчкор иморат.*

■ *Металлургия заводи қурувчиларининг клуби тўрт бурчак шаклида солинган, хом гиштданми, ёки синчкор қилиб ёғочдан қурилганми, билиб бўлмас эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**СИНЧЛИ** *айн.* синчкор. *Синчли девор.* ■ *Ҳовлида бир тўда бола қийчув кўтариб, бир-бирини қувлаб юрар, уч-тўрт паранжаси аёл қатор синчли узун айвон олдида тизилиб ўтиришарди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**СИНЬКА** [р] Газлама, кийим-кечак ва ш. к.га кўкиш тус бериш учун ишлатиладиган бўёқ. *Ювилган кирни синькага босмоқ.* ■ У [Тожибой] *то гапириб бўлгунча терлаб, синькага солинган яктаги жиққа хўл бўлиб, олатароққа айланиб кетди.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

**СИНЬКАЛАМОҚ** Сияька билан кўкиш тус бермоқ, синькага босмоқ, солмоқ. *Кўйлакни синькаламоқ.*

**СИНҒИЧ** кам кўлл. айн. синувчан.

**СИОНИЗМ** [р] 19 асрда яҳудийлар буржуазияси орасида юзага келган, турли мамлакат яҳудийларини бирлаштириш шiori остида буржуа миллатчилиги ва антикоммунизм сиёсатини юргизувчи реакцияон ҳаракат.

**СИОНИСТ** [р] Сионизм тарафдори.

**СИОНИСТИК** [р сионистский] Сионизмга ва сионистларга оид. *Сионистик ташкилот. Сионистик қарашлар.*

**СИПАР** [ф-т] Уқ, пайза, қилич ва ш. к. қуроллар зарбидан сақланиш учун қўлланган доира ёки бирор бошқа шаклдаги қадимий аслаҳа; қалқон.

**СИПО** [ф-т] Жуда ҳам оддий, камтар, камсукум, одми. *Сипо одам.* | Қосимов Лолахон билан қўл бериб кўришар экан, ўзини сипо тутушига ҳаракат қилар эди. Х. Нуъмон, Фаслар.

**СИПОГАРЛИК** айн. сипогарчилик.

**СИПОГАРЧИЛИК** Жуда оддий, камтар кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат, юриш-туриш; одамгарчилик. [Бой] сипогарчиликни йиғиштириб қўйиб, аслига қайтди. Н. Фозилор, Оқим.

**СИПОЛИК** сипо с. белиги оти. Мундоқ лаб-даҳанли қувноқ йиғитлардан бўла қолсанг нима қилади!.. назаримда, қизлар билан ҳам мундоқ очиллиб гаплашмайсан. Сиполик ҳам эви билан-да. А. Муҳиддин, Кўнгишлар. Шу кун шомда Давлатёр акиси Сотволди билан Юсвали чолни бошлаб келди. Улар Элмурод олдида сиполик билан индамай ўтиришди. П. Турсун, Уқитувчи.

**СИПОРИШ** [ф-т] 1 эск. кт. Топшириқ, вазифа. [Ҳасанали] «ўлганимдан кейин.. бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя!» деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка бу тўғрида сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар олиб юргувчи оқ кўнгилли бир қул эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Эъзоз-икром, яшифот, мулозамат ёки хушомад. Тилабой Ашурмирзонинг таъна-ю таъзиридан ҳали қанчалик ерга кириб кетган бўлса, ҳозирги сипоришидан кўкрагига шабада тегиб, қаддини [шунчалик] ростлаб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Нор Мاستурага:] Келинг, ҳола. Ҳаммага сипорини қилсангиз ҳам менга савдонни очиб қилаверинг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**СИПОРИШЛАМОҚ** Ортиқ иззат-икром ёки хушомад қилмоқ.— Телефон сал бузукроқ ишлаганиданми, овозлари сирқироқ эшитилгани,— деб сипоришлаб қўйдим. И. Уктамов, Ҳикоялар.

**СИПОҲ** [ф-т] 1 тар. Хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши; амалдор. *Сипоҳнинг ошниси бўлмас.* Мақол. — *Амирнинг сипоҳи авом-*

*нинг охи дейишади.* Ш. Топматов, Эрк қуши.

2 Жангчи, аскар. *Деҳқон бўлсанг қошида бўл, сипоҳ бўлсанг бошида бўл.* Мақол. — *Шоҳ боласига юрт ва сипоҳ, дарвеш боласига масжиди хонақоҳ керак.* Ойбек, Навоий. [Азизбекка] қарши *Кўқон ҳам тинч ётмаса керак, бу кун.. беш минг сипоҳ ила Нормуҳаммад қушбегини Тошкент устига юборганлигини эшитдик.* А. Қодирий Утган кунлар.

3 Шаҳмат ўйинида: пиедадан катта доналар (фил, от, рух, фарзин). *Бир пиедага бир сипоҳни қурбон бермоқ.*

4 *Кўйма* айн. **СИПО**. *Ўзини сипоҳ тутмоқ.* — *Қачондан бери сипоҳ бўлиб қолдинг? — таъна қилди бош яланг.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Шерназарбой ҳаммадан сипоҳ кўринган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**СИПОҲГАРЛИК** айн. сипогарчилик. *Сипоҳгарлик қилмоқ.*

**СИПОҲГАРЧИЛИК** айн. сипогарчилик. *Сипоҳгарчилик қилмоқ.* — *У [Шарофат] сипоҳгарчиликни қўлдан бериб қўймаслик учун бирпас жим қолди-да, кейин қошини бироз чимириб, сўз бошлади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**СИПОҲИ** [ф-т] айн. сипоҳ 1, 2. *Махдум машқонадан чиқиб, ичкари киришига одим узан ҳолатда дарвозадан сипоҳи кийимда бир киши кирди ва махдумга салом бериб, яқинида юриб келди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Номага жавоб ҳам келди. Жавобда кўр Шермат «неча минг сипоҳи билан йўлга чиқдим. Сизга ўз белимдаги шамширимни юбордим»,—* дебди. А. Қаххор, Башорат.

**СИПОҲЛИК** 1 сипоҳ 1, 2 с. маъ. от. 2 сипоҳ 4 с. белиги оти.— *Йўлдошга айтиб қўйинг, ҳа деб менинг жиғимга тегавермасин.— Хўп,—* деди Турсунов сипоҳлик билан. Ибохон, Улуғ кун.

**СИПСАР** [ҳинд] Ҳиндистон дарёларида яшайдиган, тумшуги ингичка ва узун тимсоҳ.

**СИП-СИЛЛИК** силлик с. инт. Сип-силлик тахта. Сип-силлик ойна. Сип-силлик бош. — [Олимхон] эжирканган назар билан ҳужрадаги нарсаларни кўздан кечириб, Гулнордан настда, деворга суюниб чўққайди. Кейин сип-силлик соқолини силаб, хўрайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Саодат давом этди: — *Утган кенгашида директорнингиз бу ҳақда оғиз очмади, сип-силлик бўлиб минбардан тушиб кетди.* А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади.

**СИПҚИРИЛМОҚ** сипқирмоқ фл. мажх. н. *Мажлисда ҳамма қадаҳлар унинг [Ҳусайн Бойқаронини] шарафи учун сипқирилди.* Ойбек, Навоий.

**СИПҚИРИШМОҚ** сипқирмоқ фл. бирг. н. Шаҳарнинг машҳур «авбош»ларидан бир тўпи бир-билари билан баҳслашгандай, косаларни пайдарпай сипқиршиди. Ойбек, Навоий.

**СИПҚИРМОҚ** Бир тортишда ичмоқ, таги-туғигача симирмоқ. *Улар*

[меҳмонлар] ачиқ чойни сипқириб саводдан, хотиндан, банк муомалала-ридан сўзлашар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Кел эй соқий, бу кеча қоса пай мона қадаҳ тўлдир, Ҳабибий, сипқирай мен одаму, расму, ширим бор!* Ҳабибий. *Шарбат-широблардан сипқирган киши Тўқсон йил яшайди кўрмасдан офат.* Ғ. Фулом.

**СИР** 1 [а] 1 Ўзгалардан махфий тутилган ёки ўзгаларга номаълум бўлган иш, гап, нарса ва ш.к. *Ҳарбий сир. Юракдаги сир. Сир сақламоқ. Сир тутмоқ. Сирни ошқора қилмоқ. Сиринг — сенинг асиринг.* Мақол. *Соғда сиринг — тилида, писмиқ сақлар дилида.* Мақол. *Ўз дўстим деб сир айтма, дўстининг ҳам дўсти борм.* Мақол. — *Ҳалиги гапимни сир деб бил! —* давом этди чол. *Пахта бозори мисоли қайнаб тошган бир дарё.. Бирдан ўзини отиш ҳам ярамайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Сергей: *«Эҳтимо, эри яширган сирларни хотини айтиб берар»,—* деб ўйлади-да, кўчага чиқди. Х. Фулом, Машъал.

2 Ҳали очилмаган, аниқланмаган, илм-фан ҳали тағига етмаган, инсон учун ҳали номаълум нарса. *Қосмос сирлари. Фан табиатнинг ҳаммасирларини очиб бермоқда.* — *Еш бўлсам ҳам майлига. Табиб мулажанинг натижасидан ҳам кўра унинг сирига қизиқди.* А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

**СИР II** 1 Ялтироқ минерал ёки мой бўёқ. *Унинг [маҳитининг] баланд ва сирини кўчиб кетган эски устунли айвонида уч-тўртта номозхон бужмайиб ўтиришибди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Металл буюм ва идиш-оёқ бетига қопланадиган пишасимон масса; эмаль. *Сирини кўчган кастролька.*

3 Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металлнинг симобдаги қотишмаси; амальгама. *Сирини кўчган ойна.*

**СИР III** [р сыр] айн. пишлоқ. *Аёл сумкасидан сир билан қолбаса олиб [Олимхон ва Манзуранни] меҳмон қилди.* А. Мирақмедов, Кулган чечаклар.

**СИРА** 1 рви 1 (фақат инкор ф-да) Асло, мутлақо, ҳеч.— *Олинг, сира тортинманг. Бунга сира ишониб бўлмайди.* — *Сира хабарим йўқ, Ҳаким ака. Уни биров айнатдим, ё ўзи меҳнатдан совиб, гурурилик, саяқлик йўлига тушидими, билмайман,—* деди [Ёрмат]. Ойбек, Қутлуғ қон. | *Қанча уринса, ҳаракат қилса ҳам. Агар Йўлчи Нурининг уйига кетиб қолса, у вақт нима қилади? У [Гулнор] бу саволага сира жавоб беролмас, ёлғиз юраги ёнар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 (фақат бўлишсиз феъл ф. билан) Ҳеч қачон, ҳеч вақт, Энди бу ерга сира келмайман. *Бунга у сира кўнмайди.* — *Бари бир, мен Гулнор опани унутмайман сира, уни кўргани тез-тез келиб турман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қанал очилган кунни эсингизда борми?*

Каналдан оққан чироқлар кўз олдимдан сира кетмайди. Бу ўйин эмас, халқнинг орзуси эди. Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 (фақат сўроқ гапларда) Бирор марта, ҳеч. Сен мени ўйлайсанми, сира? — Қори, бироз жим борғач, илжайиб сўради: — Отин ойингни кўришга бордингми сира? П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Сира кўйинг нимасини айтасиз, асти қўяверинг (таърифга сиғмайдиган кимсага, нарсасига нисбатан айтилади). — Унинг донолигини айтмай-сизми? — Сира кўйинг?!

СИРА II I Мунтазам қатор, тартиб. Сонлар сираси. II Сира сонлар айн. тартиб сонлар қ. сон I.

2 Саф; қатор. Мулла Абдурахмон .. Раънонинг эрга берилганлигининг хабарини эшитгач, бу тасодифни истиқболнинг хайрли фоллари сирасига киритди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Вася сафни ҳовли ўртасида тўхтатди. У, болаларни орқама-орқа тўрт сирадан қаторлаштириб, ҳар хил машқлар қилдириди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Асосий мазмун, моҳият, мағиз. — Ким сизга отане темирчи даяпти? — Ахир сўзингизнинг сираси шунга келди-да! А. Қодирий, Ўтган кунлар. I Гапнинг лўндаси, пўскалласи. Майли, шунчаки сирасини айтдим, мен бутунлай бошқа иш билан келувдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ўша қилган қилигинизга ҳеч ҳам ярашмайману сирасини айтаман-да. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. — Эртадан кечгача эшигининг тағида пойлаб ўтириш жонимга теғди. Гапнинг сирасини айтгани сўз олдим, — деди шофёр мажлисдагиларга қараб. С. Аҳмад, Ҳодивой.

СИРАСИГА рви, кам қўлл. Сурункасига, қаторасига; бетўхтов. Уч кун сирасига ёмғир ёғди.

СИРА-СИРА сира I, 2 с. инт. Сира-сира билмайман. — Ўрмонжон акамнинг бир гаплари сира-сира эсимдан чиқмайди: ҳамма иллат камбағалчиликда! А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

СИР-АСРОР [а], сирү асрор Барча сирлар (қ. сир I). Душманнинг сир-асорги ҳақида кўмондонликка этти марта муҳим маълумот берган Мамадали тилларда дoston бўлди. А. Раҳмат, Мардлар марди. Қумри хонадонимизнинг сирү асрорини билади. Ҳ. Гулом, Машғал.

СИРАЧ I Пиёзгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

2 Шу ўсимлик илдиридан олинадиган кукун. Сирач қормоқ. — Буни [тайёр махсиларни] сотиб, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёларни олади. Ойбек, Қутлуг қон. I Қогоз, чарм ва ш. к. ни бир-бирига ёпиштириш учун шу кукундан сувга қориб тайёрланган ёпишқоқ бутқа.

3 кўйма с. т. Сурбет, хира, елим (одам ҳақида).

СИРАЧЛАМОҚ Сирач суртмоқ, сирач суртиб ёпиштирмоқ, сирач билан ёпиштириб ясамоқ. Маҳси астарларини сирачламоқ. — Агар ҳаво варракбоп бўлиб, шамол турса, варракни шошиб-пишиб сирачлайманда, қуримасданоқ кўтариб, томга юзураман. Ойбек, Болалик. Шер отлар орасида ўсган бола-да, эгарга сирачлаб қўйгандек ёпишиб ўлтиришини қаранг. Ё. Шукуров, Лочин.

СИРАЧЛАНМОҚ сирачламоқ фл. мажх. н.

СИРАЧЛАТМОҚ сирачламоқ фл. орт. н.

СИР-АЪМОЛ [а] айн. сир-синоат. Унинг [Ражаб тегирмончининг] сир-аъмоли Ҳасан овсига маълум. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

СИРГОҲ [а+ф-т] айн. коргоҳ.

СИРДОШ [а+ф-т.] кам қўлл. айн. сирдош. Залдаги сирдон кишилар бир-бирларини туртиб, ишвирлашиб олишди. А. Муҳиддин, Ҳада.

СИРДОШ [а+ф-т] I Бир-бирига сирини, кўнгилдаги дард, алам ёки ният-орзуларини ишонувчи кишилар (бир-бирига нисбатан). Ёмон билан йўлдош бўлма, нодон билан сирдош бўлма. Мақол. — Йигити-севгани тўйга келганди, Бу «сир»ни сирдоши Люба билганди. М. Алавия. Мана энди айрилмас дўст, сирдош бўлди. Бир-биримиздан сир сақламайлик. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Бутун сир-асрорини, тарихини билувчи; ошно. Баҳмал соҳилинга кўз тикиб қолдим Асрлар сирдоши, эй улуг дарё. Ғайратий.

СИРЕНА [р<грек] Кучли товуш сигнали берадиган асбоб ва унинг сигнали. Қема сиренаси. — Йўлдош блиндаждан чиққанда ўрмоннинг аллақайси бир еридан сирена чинқириғи эшитилди. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

СИРЕНЬ [р] Баланд бўлиб ўсадиган, оқ ёки оч бинафша ранг хушбўй шода гулли декоратив бута ва унинг баҳорда очиладиган гули.

СИРИЙ: сирий гап I) очик-ойдин кўриниб турган гап, очик гап. Мен сизга сирий гапни айтяпман; 2) гапнинг очиги, лўндаси.

СИРИЛМОҚ I сирмоқ фл. мажх. н. Духоба сирилган диван. — Бухороликлар эгниларига кўк мовут сирилган початўстин, бошларига қоракўл теплак кийган бўлсалар ҳам, жунжикишиб тура эдилар. М. Осим, Элчилар.

2 сирмоқ 2, 3, 4 фл. ўзл. н. Отлар эрталабдан бери сирлиб ётибди. Пиёз пўстидай сирлимоқ роса очикмоқ, очикиб шиндийи тушмоқ (ошқозон ҳақида). Чой-пой ичсақ бўлар эди. Қорин ҳам пиёз пўстидай сирлиб кетди-ку. О. Толибов, Анқов.

СИРИК диал. I Шиппи тутиб туриш учун уй ўртасига ўрнатилган ус-тун, тирговуш.

2 Темир ёки ёғоч косов.

СИРКА I Узум ва ш. к. сувини ачи-

тиш йўли билан ёки овқатли ацетат кислотасига сув қўшиб тайёрланган ўткир ҳидли, туссиз суяқлик. Узум сиркаси. Овқатга сирка солмоқ. Гўштни сиркага босмоқ (ўлдиarmoқ).

◆ Сиркаси сув кўтармайдиган одам гап кўтара олмайдиган, таъби нозик одам. Қуёви тушмагур мунча сиркаси сув кўтармайдиган йиғит экан, бир оғиз сўз шунчалик боғиб кетибдими. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинлар.

СИРКА II Бит тухуми.

СИРКАЛАМОҚ Сиркага босмоқ, сиркага ўлдиarmoқ. Пиёзни сиркаламоқ. Гўштни сиркалаб кабоб қилмоқ.

СИРКАЛАНМОҚ сиркаламоқ фл. мажх. н. Сиркаланган гўшт.

СИРКОЙИ Бир турли ачиқ узум.

СИРКОР I айн. сирчи. Сиркор уста. СИРКОР II Сирланган, сир (мой, бўёк) бериб ишланган, сирли. Сиркор уй. Сиркор сопол идиши.

СИРКОРЛИК I сиркор I с. касб оти. Сиркорликни ўрганмоқ.

2 Сир (мой, бўёк) билан ишланган безак, гул.

СИРЛАМОҚ I Сир (мой, бўёк) билан бўямоқ, гул солмоқ. Деворларни сирламоқ.

2 Сир ёки эмаль билан қопламоқ. Сопол буюмларни сирламоқ. Тоғорани сирламоқ.

3 Амальгама билан қопламоқ. Кўзгуларни сирламоқ.

СИРЛАНМОҚ сирламоқ фл. мажх. н. Сирланган уй. Сирланган идиш. — Деворлар ганчланган, шиллар сирланган, оёқ ости алвон гулли кигиз билан тўшалган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИРЛАТМОҚ сирламоқ фл. орт. н. СИРЛАШМОҚ I сирламоқ фл. бирг. н. СИРЛАШМОҚ II Бир-бирига сирла-

рини, кўнгилдаги дард, аламини ёки ният, орзуларини очик айтмоқ; ёри-либ бир-бирига сирини гапирмоқ. [Ўзбек ойим ва Офтоб ойим] сирлашши учун бошқа уйга чиқиб кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИРЛИ I I Бошқалардан сир тутилган, яширин, махфий. [Гулдон] эркаклар билан сирли сўхбатлар ясаганда ичкиликдан, нозу-ишвадан дастлаб ўзини тийишга ҳаракат қилса-да, лекан, кўпинча, бунга эриша олмас эди. Ойбек, Қутлуг қон. I Сири бор, сир сақловчи. Мана шундай сирли юракни қандай қилиб бировга очади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Замирида қандайдир бир сир яширинган; ажиб. Қош қорайиб, атрофни аллақандай сирли жимлик босган. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдузлар. — Аканг келаяпти, — сирли товуш билан деди Эргаш. Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ? Саидрози. . тингловчиларни энтиктириши учун бир оз тўхтаб, залга сирли назар ташлади. С. Анорбоев, Оқсой. I Аллақандай бир сирни, хислати бўлган; мўъжизали. Элмурод дарадан чиқиб тўпта-тўғри далага қараб кетди. Бу кунларда дала уни сирли бир куч билан ўзига тортарди. П. Турсун, Ўқи-

тувчи. *Ҳаммасин биласан, эй сирли дарё, Оқасан узоққа жўшиб бепарвo. Гайратий.*

**СИРЛИ II I айн. сиркор II.** Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстинининг сомонхонаси яхши. Мақол. — Мен бировни кутиб турибман, сўнграқ кираман, — деб сир бой бермадан юмшоққина сўйлади-да, мева суви сотадиган кўк сирли дўкон томон юрди. Ойдин, Фонарь тағида.

2 Сир ёки эмаль билан қопланган, сирланган. Сирли челақ. — *Кўча эшиги ғийқиллаб очилди. Қўлига сирли сопол коса тутган бир қизча қаджларини авайлаб босиб келди-да, косани Оймихонга топширди. П. Турсун, Ҳўкутовчи.*

**СИРМА** Усти бирор мата билан қопланган, устига бирор мата сирилган. *Сирма тўстин. Сирма тўн (ёки чопон) пахтаси астар ва мийн астар орасига олиб қавилган, устидан авра сирилган тўн. Унинг бошида қулоқчинли теплак, зенда кўк сирма калта чопон, чап енгига қизил мата боғлаб олибди. П. Турсун, Ҳўкутовчи.*

**СИРМОҚ** 1 Устини бирор мата билан таранг қилиб қопламоқ. *Диванни қизил духоба билан сирмоқ.*

2 Гавдага ёпишба таранг сиқиб турмоқ (кийим ҳақида). *Хонадан яшнаб Зумрад чиқиб келди.. бошида моладай ёнган товар дурра, шохи кўйлақ устидан сириб тугмаланган беқасам нимчаси чиройли қабарган кўкракларини яширолмас эди. Ойбек, Қўтлуғ қон.*

3 Арқонни калта қилиб боғламоқ, боғлаб қантариб кўймоқ. *Отни устунга сириб қўй. Сириб боғламоқ* 1) айн. сирмоқ 3; 2) маҳкам сиқиб боғламоқ. *Уста.. чорсисини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди. С. Аҳмад, Ҳодивой.*

4 Бирмунча вақт овқат бермай оч кўймоқ, оч қолдирмоқ. — *Овқат-повқатинг борми, опкелсанг-чи, йл-дирдинг-ку сириб, — деди Икромжон Жаннат холага. С. Аҳмад, Уфқ.* 1 Бирмунча вақт ўзини овқатдан тиймоқ. *Ўзини нондан сирмоқ. Ўзини гўштан сирмоқ.*

**СИРОП** [р<фр] Мева сувидан тайёрланган қуюқ қиём; шарбат. *Олча сиропи.*

**СИРОТ** [а], пули сирот дин. Диний ақидаларга кўра, охиратда гўё ҳамма ўлганлар тирилиб, жаҳаннам устидан ўтадиган афсонавий қил кўприк. *Курбонлик қилмаган кишилар жаннатга ўзларича ўтишга уринсалар ҳам, сирот кўпригидан йиқилиб, дўзахга тушиб, каттиқ азоблар эмиш. Т. Сиддиқов, Рўза ва қурбон ҳайити ҳақида.*

**СИРПАНИШМОҚ** сирпанмоқ фл. бирг. н. *Болалар тепаликдан сирпанишиб вақт ўтказишмоқда.*

**СИРПАНМОҚ** 1 Силлиқ юзада монезиз сурилмоқ; сирганмоқ, тойганмоқ. *Сирпаниб йиқилмоқ.* — [Адолатнинг] бошидан сирпаниб кетган паранжиси оёқларига ўралашиб қолди. С. Зун-

нунова, Гулхан. *Кабутарлар дам ушиб, дам сирпаниб қўниб, гўмбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Ойбек, Навоий.*

2 Силлиқ муз ёки қор устида учмоқ. *Тепаликдан сирпаниб тушмоқ. Қонькида сирпанмоқ.*

**СИРПАНТИРМОҚ** сирпанмоқ фл. орт. н. *Сирпантириб йиқитмоқ. Болаларни чанада тепаликдан сирпантирмоқ.*

**СИРПАНЧИҚ** 1 Сирпанарли даражада силлиқ; сирганчиқ, тойғоқ. *Сирпанчиқ муз.* — У [Гулнор] .. кўчада ҳеч ким бўлмаганидан ва сирпанчиқ лойда юриши қийинлигидан, юзини очиб кўзларини ерга тикиб келар.. эди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

2 Сирпаниш, коньки отиш учун махсус музлатилган жой, майдон. *Сирпанчиқда коньки учмоқ. Сирпанчиқ отмоқ* силлиқ муз ёки қор устида сирпаниб ўйнамоқ.

3 тех. Станок, мослама, қурилма ва ш. к.нинг сирпанувчи қисмлари сурилиб юрадиган силлиқ йўналтирувчи қисми.

**СИР-СИНОАТ** [а] Сир-асрор, кирди-корлар. У [Рамазон ака], худди соат йўқолган уйнинг эгаси билан гаплашиб, бутун сир-синаотни аниқлаган. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**СИРТ** 1 Нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи. *Пиёланинг сирти. Сирти кўк идиш.* — *Башират ручка ушлаган қўлининг сирти билан пешанасини артди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қун тўғ тортиб дарёнинг у томонидаги адирларнинг сирти, тўғ яшил, жилгалари қора тўсга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.* 1 Нарсанинг, кимсанинг ташқи, зоҳирий томони, ташқи кўриниши. *Сирти ялтироқ — ичи қалтироқ.* Мақол. — *Ҳадича ая.. Марҳамат билан ҳар вақтдагича қуюқ савомлашиб, ўзини қувноқликка солишга ҳаракат қилса ҳам, барибир кўзларининг ич-ичидаги олиб белгиси сиртига тепиб турар, овозида ҳам қалтираш сезиларди. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.* 1 Ташқари, чет. *Сиринги сиртага чиқарма. Мақол. — [Салоҳиддин:] Балли. Душманнинг сиртида эмас, ичида бўлинг. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Мен қўл қўйиб муҳр босар эдим-у, лекин сиртдан туриб сизларга ёрдам берганим мақбул. Ж. Шарипов, Хоразм. Сиртдан* 1) ташқи кўринишига қараганда, афтидан, зоҳиран. *Сиртдан бўйи кўринган, аммо оғир юк ортган машина узоқ тўхтаб турмай, силкиниб жойидан қўзғалди. Туйғун, Йўлдош акани эслаб;* 2) шунчаки йўлга, юзаки. *Қапсанчилар сиртдан муроасага келган бўлиб, зиммаларига тушган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор;* 3) ғойибона. *Мен шайхантаҳурлик бир мулла билан сиртдан танишман. Н. Ҳакимов, Илон изидан;* 4) тегишли кишини ўзига билдирмай, унинг орқаси-

дан, ўзи йўғида; зимдан. *Сиртдан ши битирмоқ. Сиртдан гапириб юрмоқ. Сиртдан қараганда* ташқарида, четдан ёки юзаки қараганда. *Езувчи Одил Ёқубовнинг «Бир фельетон қиссаси» деб аталган янги повестида воқеа, сиртдан қараганда, оддийгина бошланади. О. Шарафиддинов, Кадр ҳақида қисса. Сиртдан ўқиш айн. сиртқи ўқиш қ: сиртки 3. Мен ўқишинга қарши эмасман! Лекин сиртдан ўқиганинга ҳам ёмон бўлмас эди. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.*

2 мат. Геометрик шаклнинг ташқи юзи. *Шар сирти. Цилиндрнинг ён сирти. Ботиқ сирт. Уюрма сирт.*

3 геогр. Тизма тоғ чўққилари. *Алар мана шу Музлоқ тоғнинг чўккалаган юр туянинг ўрқачига ўхшаган сиртига чиқилса, кишининг кўзи олдига бири бирини зид икки дунё очилади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

◆ **Балиқ сирти қ. балиқ. Сиртиқнинг сиртича** жуда оз, зигирча. *Пиртига сув юқтирмайдиган (ёки юкмас) одам гап, танбеҳ ва ш.к.ни назар-писанд қилмайдиган, бети қалин, без одам. Сиртига юқтирмайди* сира ўзига олмайди, назар-писанд қилмайди. *Илгари унча-мунча даккинни сиртига юқтирмай безрайиб тураверадиган Авезов ҳозир хотини билан онаси олдига мўминтой боладай бўйин эғиб турарди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

**СИРТЛОН** Ҳлимтнк билан овқатланадиган, жуни дағал, бўйнида ёли бор, ранги яшаш жойига мўсланган йиртқич сутэмизувчи ҳайвон.

**СИРТМОҚ** 1 Арқон ва ш.к.нинг бўйинбоғ шаклида суриладиган ва сиқиладиган қилиб боғланадиган учи. *Молнинг оёғига сиртмоқ солмоқ.* — *Босмачилар қўли орқасига қайрилиб боғланган, бўйнига чилврдан сиртмоқ солинган бир кишини олиб кириб, тўрда чўзилган кишига рўпара қилдилар. Айний, Дохунда.*

2 кўчма Асорат, сиқув, исканжа. *Мустамлакачилик сиртмоғи.* — *Душман бизни очлик сиртмоғи билан бўғмоқчи эди, аммо ниятига етолмади. К. Яшин, Йўлчи юлдуз.*

**СИРТМОҚЛАМОҚ** Сиртмоқ солмоқ, сиртмоқ солиб боғламоқ ёки бўғмоқ. *Подшо айтди: Ингичка сиртдан чилвир қилинлар, ҳалқа қилиб бўйнига солинлар, сиртмоқлаб тилла дорга илнглар. «Эрали ва Шерали».*

**СИРТҚИ** 1 Нарсанинг, кимсанинг сиртига тааллуқли, сиртидаги, ташқи. *Бинонинг ички ва сиртқи деворлари. Сиртқи кўриниши. Сиртқи дори* ичга истемол қилинмайдиган дориларнинг умумий номи (мас. кўзга томизиландиган дори, ярага қўйиладиган дори ва ш. к.).

2 Зоҳирий, юзаки. *Масалланинг сиртқи томони.*

3 ўқув юртига қатнамай ўқишга доир. *Сиртқи ўқиш. Институтнинг сиртқи бўлими.* — *Ваҳобжон ўтган йилнинг августда сиртқи институт-*

га имтиҳон топишгани Тошкентга тушган эди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

**СИРЧИ 1** Мой бўёқ билан ишловчи уста; сиркор.

2 Кўзгу ясовчи уста.

**СИРҚИМОҚ 1** Сизиб ўтмоқ, томчилаб оқмоқ. Бочкадан сув сирқиб турибди. — Одамларда шубҳа изини қолдирмаслик учун мой сирқиган семиз юзига оқ кўнгиллик, соддалик ниқобини кийди. Ойбек, Навоий.

2 кам қўл. айн. **сникмоқ**. Ранги бир оз сирқибди.

**СИРҚИНДИ 1** Идиш тагида қолган суюқлик қолдиқ.

2 кўйма Қолдиқ, сарқит. Мен ёзмоқчи бўлиб турган ҳикоянинг қаҳрамони ҳам ўша эски сирқинди типларидан бири. эди. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**СИРҚИРАМОҚ** айн. **зирқирамоқ**. Оёқларим сирқираб оғрияпти. — [Бектемир] уйғонганида суяклари сирқираган, ўзини ланж туйди. Ойбек, Кувеш қораймас.

**СИРҚИРАТМОҚ** сирқирамоқ фл. орт. н. Сув муздек экан, суякларимни сирқиратиб юборди.

**СИРҚИРОҚ** айн. **зирқироқ**. Баданимни сирқироқ оғриқ босди.

**СИРҚИТМОҚ 1** сирқимоқ фл. орт. н. 2 Бир томчи ҳам сув ёки бошқа суюқлик қолдирмай бўшатмоқ. Идишни сирқитмоқ.

**СИРҚОВ** Қасалланган вақтдагидек ланжлик; лоҳаслик ёки оғриқ.

**СИРҚОВЛАНМОҚ** Қасалланган каби ўзини ёмон сезмоқ, ланж, лоҳас бўлмоқ. Фарида касал одамдек сирқовланиб, ҳеч нима ёқмай юрди. Мирмуҳсин, Чинкиш.

**СИРҒА** Қулоққа тақиладиган безак буюм; исирға. Қумуш сирға. — Ҳар оқишом фируза каби уфқлар, Зардан қулгоғига сирға тақиди. Уйғун.

**СИРҒАЛИҚ** диал. Қулоқнинг сирға тақиладиган пастки юмшоқ қисми; солинчак.

**СИРҒАЛМОҚ** айн. сирпанмоқ 1. Унинг кўзлари қизарган, косинкаси сирғалиб елкасига тушиб қолган эди. С. Аҳмад, Раҳмат, азизларим. Жумабой ота «савосини ўлдирма» дегандай Ҳолмирзага имо қилди-ю, аммо ўзи ўртага сирмагандай, аста сирғалиб чиқиб кетди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**СИРҒАЛУВЧИ** Сирғанувчи, сирпанувчи, сурилувчи. Станокнинг сирғалувчи қисми.

◆ **Сирғалувчи товушлар** лингв. фрикатив товушлар.

**СИРҒАНИШ 1** сирғанмоқ фл. иш оти. Музда сирғаниш.

2 физ. Бир юзанинг иккинчи юзада айланмай силжиши. Сирғаниш коэффициенти. Сирғаниш подишпниги.

**СИРҒАНМОҚ** айн. сирпанмоқ 1. Сирғаниб кетмоқ. Сирғаниб йиқилмоқ. — Шербек ичкарига сирғаниб тушиб-да, девор тагига бекина қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

**СИРҒАНТИРМОҚ** сирғанмоқ фл. орт. н. Болаларни чанада сирғантирмоқ. **СИРҒАНУВЧИ 1** сирғанмоқ фл. иш оти.

2 махс. Бирор юзада айланмасдан силжувчи. Сирғанувчи нур. Сирғанувчи вектор.

**СИРҒАНЧИҚ** айн. сирпанчиқ 1. Сирпанчиқ муз. — Ерга тушайтган қор парчалари тез эримоқда, йўл лой ва сирғанчиқ эди. О. Ёқубов, Гилла узук.

**СИРҒИЛМОҚ** айн. сирғалмоқ. Атрофдаги барча нарсаларни унутиб, уни [асарни] ўқий бошладим. Еноқларимдан кўз ёш доналари сирғилиб оқарди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. У [Тоштемур] ёмғирда бир нафас. турди-да, кейин тўйдан секин сирғилиб чиқиб кетди. Ҳ. Ғулом, Сенга интиланман.

**СИРҒОҚ 1** Серёмғир вақт, ёнғингарчилик.

2 айн. сирпанчиқ 1. Сирғоқ йўл. **СИР-ҲОЛ** [а] Сир-асроқ, хол-аҳволлар мажмуи. Бир-бирининг сир-ҳолини билмоқ. — Қушбеги Анор айёрни чақириб, сир-ҳолини гапириб. «...нима қилсанг ҳам шу ишни битириб кел» [деди]. «Ёдгор».

**СИСТЕМА** [р<эрек] 1 Таркибий қисмларнинг ўзаро узвий боғланган ҳолда планли равишда жойланишига асосланган тартиб, режа, тартибот.

2 бот., зоол. Классификация, тасниф. Линнейнинг ботаник системаси.

3 Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, принциплар мажмуи. Декартнинг философик системаси. К. Д. Ушинскийнинг педагогик системаси. — Гегель диалектикаси унинг идеалистик системаси ҳам узвий боғлиқ эди. «Диалектик материализм масалалари». | Бирор иш методлари, тартиб-усуллари мажмуи. Даволаш системаси. Таълим-тарбия системаси.

4 Умумий белгиларига кўра бирлашган элементлар, бирликлар мажмуи. Тилнинг товуш системаси. Ўлчов бирликлари системаси.

5 Ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. Қуёш системаси. Қон томирлар системаси. Нерв системаси. | Вазибаларига кўра ёки ташкилий жиҳатидан бир бутун бўлиб уюшган муассасалар мажмуи. Халқ маорифи системаси. Фанлар академияси системаси. | Бир мақсад учун белгиланган мослама, машина, механизм ва ш. к.дан таркиб топган яхлит техник қурилма. Иситиш системаси. Энергетик система. Суғориш системаси. Истеҳкомлар системаси.

6 Бирор ишни ташкил этиш ёки амалга ошириш формаси, принципи. Сайлов системаси. Меҳнат ҳақи тўлаш системаси. | Ижтимоий тузум, ижтимоий қурилиш формаси. Социалистик система.

**СИСТЕМАЛИ 1** Муайян системага асосланган; тартибли. Системали иш. Ишни системали равишда олиб бормоқ. — Област комитети.. партия Марказий Комитетида системали сурапта ахборот бериб туради. «КПСС Устави».

2 Муттасил, мунтазам. Ўқшига системали равишда қатнашмоқ.

**СИСТЕМАСИЗ** Матълум системаеи, плани бўлмаган; тартибсиз, бетартиб, пала-партиш. Системасиз иш. Системасиз баён.

**СИСТЕМАТИК** [р систематический] Муайян системага асосланган; системали. Систематик машғулот.

**СИСТЕМАТИКА** [р] Ҳайвон ва ўсимлик организмларини гуруҳларга — тур, жинс, оила, отряд, синф ва типларга — ажратиш билан шуғулланган фан. Ҳайвонлар систематикаси. Ўсимликлар систематикаси.

**СИТАМ** [ф-т] 1 Жабр, жафо, зулм. Мазлум, қолоқ, асрий жаҳолатлар гирдобига отилган Шарқ ўз тарихида не-не жафоларни кўрмади, не-не ситамлардан қадди дол бўлмади. К. Яшин, Йўлчи қолдуз.

2 Қаҳр-ғазаб, зуғум, ғамза. У [Лобар] Дадавой акани қарашма билан эрита олмаганда тахдиду ситам билан эгади. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Ситам қилмоқ 1) жабр-зулм қилмоқ, эзмоқ; 2) қаҳр-ғазабини сочмоқ, ғамза қилмоқ. Майли ситам қилсанг, Қилмасанг қарам. М. Жалилов.

**СИТАМГАР** [ф-т] 1 Жабр-зулм қилувчи; эзувчи, золим. Ситамгар фалак.

2 кўйма Ноз-истиғнолари, ғамзаю ситамлари билан куйдирувчи, адо қилувчи. Ситамгар ёр. || Мен кимга бориб йиғлай, ул шўх ситамгардан! Юрт-элга бутун телба, афсона қилиб кетди. Ҳамза.

**СИТАМДИЙДА** [ф-т] кам қўлл. айн. аламдийда.

**СИТАМҚАРДА** [ф-т] кам қўлл. айн. ситамгар.

**СИТАМКОР** [ф-т] кам қўлл. айн. ситамгар.

**СИТАМЛИ** айн. аламли 2, 3. Севгининг ширин онлари.. сингари ситамли алами, шафқатсиз кулфати ҳам бўлади. М. Жўра, Изтироб.

**СИТИЛМОҚ 1** ситмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Яраси ситилибди.

2 Эскириб, тўзиб у ер-бу еридан йиртилмоқ ёки чокидан кетмоқ. Чопон чокидан ситилибди. — Салтонбу ситилиб кетган эски кўрпага ўралиб, дарча ёнида ётан эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Кўзим ситилсин** (ёки ситилиб оқсин) қасам ибораси. Кўрган бўлсам, кўзим ситилсин.

**СИТИШМОҚ** ситмоқ фл. бирг. н. **СИТМОҚ** Сиқиб ичидигини чиқармоқ, ажратмоқ. Ярани ситмоқ. **СИТИБ** чиқармоқ 1) қисиб чиқариб юбормоқ, олиб ташламоқ. Зирапчани ситиб чиқармоқ; 2) айн. сиқиб чиқармоқ 2 қ.



**СИҚМОҚ** 2. Уни *уйдадан ситиб чиқаришибди.*

**СИТОРА** [ф-т] эск. кт. айн. юлдуз.  
 ♦ Ситораси иссиқ айн. истараси иссиқ қ. истара. Охири бир кунги «Сорахон хунук, бу — рост, аммо ситораси иссиқ», деган фикрга келди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**СИТРО** [р<фр] Мева шарбатидан тайёрланадиган чанқов босувчи ичимлик.

**СИТУАЦИЯ** [р<фр] Мавжуд ёки бирор пайтда юзага келган шарт-шароитлар мажмуи; вазият, ахвол. *Қудай ситуация. Революцион ситуация. Халқаро ситуацияни ҳисобга олмақ.*

**СИФАТ** [а] і филос. Нарса, воқеа, ходиса ва ш.к.ни, уларнинг ўзига хос белги ва ички хусусиятларига кўра, характерловчи асосий философия категориялардан бири. Миқдорнинг сифатга айланиши.

2 Нарсанинг, кимсанинг ижобий ёки салбий хусусияти, фазилати, хислати. *Инсон сифатлари ишда камтарлик — энг яхши фазилатдир. — Йўлчи, чамаси, икки йилдан бери темирчи билан яқин дўст бўлиб, унинг бутун сифатларини, фазилат ва камчиликларини яхши синаган эди. Ойбек, Қутлуг қон. [Отабек] қаришсиданининг суратида эмас, сифатида қизиқ бир ўзгарши кўрар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Молнинг, маҳсулотнинг ёки ишнинг яроқлилик даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгилувчи хусусияти. Маҳсулотнинг сифатини яхшиламоқ. Ишнинг сифатини оширмоқ. — Комиссар овқатнинг сифатини суриштира кетди: — Таъми қалай? — Мазали. — Етарлими? — Етарли. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 Қўшма сўз таркибида «ўхшаш», «симон» каби маъноларни билдиради, мас. *девсифат, одамсифат, улугсифат.*

4 грам. Предметнинг белгисини билдирувчи сўз туркуми. *Нисбий сифат. Туб сифат. Сифат даражалари.*

♦ **Сифатида** вазифасида, ўрнида, =дек. *Раҳбар сифатида. Дўст сифатида. — Парчаланши пайтида юзага келадиган нейтронларни ютилиши хавфидан ҳимоя қилиб қолиш учун ёқилги сифатида уранининг бир бутун бўлаклари эмас, балки юққа деворли най уранлардан фойдаланилади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.*

**СИФАТДОШ** [а+ф-т] грам. Предметнинг белги-сифатини билдирувчи феъл формаси, мас. *ҳайдалган ер, терилган пахта.*

**СИФАТЛАМОҚ** Бирор жиҳатдан характерламоқ, сифатини ёки сифатларини таърифлаб бермоқ. *Яхши томондан сифатламоқ.*

**СИФАТЛАНМИШ** грам. Сифатловчи аниқлаб-сифатлаб келган сўз; аниқланмиш.

**СИФАТЛАШ** і сифатламоқ фл. иш оти. *Яхши томондан сифатлаш.*

2 айн. эпитет. *Увайсий ўз давридаги ярамас кишиларнинг ҳаракатларини кўрсатиш учун. бемуруват, қабих каби сифатлашлардан ўринли фойдаланади. «Адабиёт назарияси».*

**СИФАТЛИ** 1 Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб берадиган, сифати яхши. *Сифатли мол. Сифатли иш.*

2 Аниқловчи орқали ифодаланган сифатга эга бўлган. *Аъло сифатли мол. Емон сифатли маҳсулот. — Майин, жун деб юқори сифатли қўй гўшти, дириллаган думба ёгидан айриламиз дегне, — Шербек ёлғиз ўзи кетаётган йўга чўмди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**СИФАТЛОВЧИ** грам. Предметнинг белгисини-сифатини билдирувчи сўз; аниқловчи.

**СИФАТСИЗ** Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб бера олмайдиган, сифати ёмон, паст. *Сифатсиз маҳсулот. Сифатсиз иш.*

**СИФИЛИС** айн. захм II.  
**СИФОН** [р<грек] Юқорироқдаги идишдан, ҳавздан пастроқдагисига суоқлик ўтказувчи найча, най, труба.

**СИФР** [а] эск. айн. ноль I.

**СИХ** [ф-т] Кабоб пиришини учун металлдан, баъзан ёғочдан тайёрланадиган учи найза чўп. *Бир сих кабоб. Гўштни сихга тортмоқ. — Сихларда кабоб келган, Бозоров жавоннинг пастки тортмасини очиб, бир шиша беш юлдузли коньяк олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам ҳеч кимга, ҳеч қайси томонга зарар бўлмасин, ич икки томон учун беозор битсин. — Биласизми нима? — раис уларни келиштирмоқчи бўлди, — келинг, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам деганларидек, иккаласига беш баҳо бериб қўяроқамиз, майлими? «Муштум», 1952, № 10.*

**СИХЛАМОҚ** 1 Сихга тортмоқ, сихга тизмоқ.

2 Учини сихга ўхшатиб найзаламоқ.  
**СИХЛАТМОҚ** сихламоқ фл. орт. н.  
**СИХМОЛА** қ. х. Тишли мола, борона.

**СИЧҚОН** 1 Ҳар турли ерларда яшашга мослашган кемирувчи сут-эмизувчи ҳайвон.

2 Мучал йил ҳисобида биринчи йил номи. *Унинг йили — сичқон. Сичқон йили мучал йил ҳисобида биринчи йил (қ. мучал).*

♦ **Сичқон сифмас** инига, галвир боғлар думига имкониятларини ҳисобга олмай даҳмаза ортирган кишига нисбатан айтиладиган мақол. **Сичқон сурди** касалликдан эндигина тузалган киши биринчи бор уйдан чиқиб бирор жойга борганда айтиладиган ибора. **Сичқоннинг ини минг танга қочишга жой топа олмай қолинган** пайтда айтиладиган ибора. **Арслоннинг ўлиги, сичқоннинг тириги** катта мартабали киши мартабасидан тушганда ҳам оддий кишилардан юқори туради, катталигича қолади, деган маънодаги ибора.

**СИҚИЛИШ** 1 сиқилмоқ фл. иш оти.

*Троллейбусда одам сиқилиб кетди. Бундай ҳолларда йўловчиларнинг бир-бирларига уринишлари, туртинишлари, сиқилишлари табиий. М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.*

2 Одамлар тирбанд ҳолат, тиқилинч. *Сиқилишда қолмоқ.*

3 физ., тех. Ташқи куч таъсири остида ҳажми торайиб, зичланиш. *Жисмларнинг сиқилиши.*

**СИҚИЛИШМОҚ** сиқилмоқ фл. бирг. н. Уканг Қурбон оқсоқол теғирмонидан ишлаб туради. Рўзгордан бир қадар сиқилишгани. Ойбек, Қутлуг қон. *Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, болалар уларнинг биридан-бирига хатлаб ўтиб, учтадан-тўрттадан сиқилишиб ўтиришди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**СИҚИЛМОҚ** 1 сиқмоқ I, 2 фл. ўзл. ва мажх. н. Совқидан сиқилган жисм. *Сиқилган газ. Сиқилиб музга айланган қор. Бурчакка сиқилган рақиб. — Эрталабки изғирин бир оз пасайди. Ёнишда сиқилиб ўтираган Турғунбой кабинадан тушиб машина устига чиқиб олди. Ғайратий, Узқоқдаги ёр.*

2 (ч. к. билан) Таңглик сезмоқ, толиқмоқ, зориқмоқ. *Пулдан сиқилмоқ. Рўзгордан сиқилмоқ.*

3 Руҳан эзилиб ёки зерикиб диққат бўлмоқ, диққатни ошмоқ, зиқ бўлмоқ. *Бу ерга [қурилишга] келганимга икки ойдан ошиб қолди. Биринчи кунлари тоза-тоза сиқилдим. Ж. Абдулахонов, Тўфон. Юраги сиқилди юраги зиқ бўлди. У киши билан қайдадир димиқиб, юраги сиқилиб ётгану, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсандек, кенг далаларда яйрайди, боғ-роғларда қунаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**СИҚИЛУВЧАНЛИК** физ. Сиқилиш қобилияти. *Газларнинг сиқилувчанлиги.*

**СИҚИМ** Нарса чангаллаб сиқилган кафт ва шу кафт орасига олинган нарса миқдори; қисим. *Сиқимини тўлдириб-тўлдириб писта олмақ. Ошга бир неча сиқим сабзи солмоқ. — Мирвали банги бировнинг қўлидаги бедани кўриб, дидига ўлтирадиган бўлса, сиқимида салмоқлаб кўриб, «ҳамма жойи ҳам келган экан» деб қўяди. А. Қодирий, Обид кетмон. Бир сиқим I) кафт билан чангаллаб олинган миқдордаги, бир қисм. *Зиёдаҳон қумғондан тоғорачага сув қуйди, бир сиқим туз ташлаб чайқайди. А. Қаҳҳор, Қўшқинор; 2) озгина, бир чўқим. [Фотима:] Вой, ўтиринг, бир сиқим ош қилай. Қачон келсангиз овқатга ўтирмайсиз-а! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар; 3) бир тўда, бир гуруҳ, бир ховуч. Бир сиқим одамлар.**

**СИҚИМЛАМОҚ** Кафт билан чангаллаб олмақ, чангаллаб сиқмоқ, ушламоқ, қисимламоқ. *Унни сиқимлаб тоғорага солмоқ. Бугдойни сиқимлаб кўрмоқ.*

**СИҚИМЛАНМОҚ** сиқимламоқ фл. мажх. н.



**СИҚИМЛАТМОҚ** сиқимламоқ *фл. орт. н.*

**СИҚИМЛАШМОҚ** сиқимламоқ *фл. бирг. н.*

**СИҚИШ 1** сиқмоқ *фл. иш оти.* Исканжага олиб сиқиши.

2 *физ., тех.* Босим, куч таъсири остида хажминини кичрайтириб зичлаш, қиспиш.

**СИҚИШМОҚ** сиқмоқ *фл. бирг. н.* Қўл сиқишиб қўришмоқ. — Жангчилар кийим-бошларини ечиб сиқишар, жисмоқ учун у ёқдан бу ёққа юришар эди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**СИҚИШТИРМОҚ** 1 Сиқиб, зичлаб жойлаштирмоқ. Нарсаларни чамадонга сиқиштириб жойламоқ. Одамларни сиқиштириб жой олмақ. — Омон мумкин қадар қўйларни темир йўлга яқинлаштирмасликка уринар ва кўчанинг девор томонига сиқиштириб олиб борар эди. Ғ. Ғулум, Шум бола.

2 Сиқув остига, исканжага олмоқ, сиқув остида текширмоқ. Нор опа Жаншининг ўша нарсаларини ундириш учун келиб оқсоқолни сиқиштираётган экан. Ҳ. Шамс, Душман.

**СИҚИҚ** 1 Сиқилган, қисилган, сиқилманган. Сиқиқ мушт.

2 Ҳақ-хуқуқдан, эркинликдан маҳрум, сиқув, исканжа остидаги; танг. Сиқиқ вазият. Сиқиқ ҳаёт. — [Кумуш] ўзини Зайнабга қараганда сиқиқ, ёш бола сифат кўрди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Чекли, чекланган, танг. — Ер жўнидан сиқиқроқмиз, — деди бошини аста қимирлатиб Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Мухтасар, ихчам. Мақола баёни имкони борича сиқиқ, қисқа, ниҳоят аниқ... бўлиши шарт. И. Мўминов, Улкамиз кўзгуси. [Умарали] ўтқир иборалар... сиқиқ жумлалар билан шошмасдан, вазмин сўзлай бошлади. Ойбек, Улуғ йўл.

4 От Сиқув, тазйиқ, исканжа. Хўжайинлар ўз сиқиқлари остида эзилган, хўрланган... хизматкорлардан ҳадиқсирар, уларнинг сўнги ғазаларидан қўрқар эдилар. П. Турсун, Уқитувчи. **СИҚИҚҚА** олмоқ роса сиқмоқ, қийнамоқ, исканжага олмоқ. — Бечора Мўмин ака! — раис хоҳолаб кулиб юборди. — Бу ёқда сиз [Юлдузхон], бу ёқда журналист ўртоқ... Тоза сиқиққа олдиларинг-ку, шўрликни. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

**СИҚИҚЛИК** 1 сиқиқ 1, 2, 3 с. белги оти. Вазиятнинг сиқиқлиги. Жойнинг сиқиқлиги.

2 Сиқув, тазйиқ, исканжа остидаги шароит, ҳаёт.

**СИҚМОҚ** 1 Ураб, қамраб ёки босиб эзмоқ, қисмоқ. Қўлини сиқиб кўришмоқ. Анорни сиқиб сувини олмоқ. Тошни сиққан билан сув чиқмас. Мақол. — Оёғим ишиди шеклилли, ботинкам сиқиб қолди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Шу вақт унинг қўлиғи остидан узатилган қўл ҳиқилдоғидан омбур каби сиқиб олди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам

сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шашап ўлиб, айланиб-ўргилар ва тиқилиб-тиқилиб нима учундир йиғлар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. — Айтганг, нимагаям Солибойнинг гапига кирдим-а, — деб пушаймон қила бошлади у [Мингбоши]. — Мана энди фасодни сиқиб чиқараман деб, ярани газак олдириб қўйдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Сириб боғламоқ. Тонгда жангчилар оч қорнини камар билан маҳкам сиқиб, йўлга тушдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. | Тазйиқ билан хажминини кичрайтириб зичлаштирмоқ, Газни сиқмоқ.

2 Тазйиқ билан суриб бормоқ, танг ҳолда қолдирмоқ. Рақибни бурчакка сиқиб қўймоқ. Машина қўл меҳнатини сиқиб чиқармоқда. — Душман бу қийинчиликлардан фойдаланиб, станция томон сиқиб келди. Ойбек, Қуёш қораймас. Биз.. бойлар ва заводчиларни сиқиб чиқариб савдо-сотиқ ва завод ишларини ўз қўлимизга олмоғимиз керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Эркинлик, хуқуқ бермай ёки ўринсиз талаб, даъво, бўҳтон ва ш. к. билан руҳан эзмоқ, қийнамоқ. Уни, оқатни бузибсан, деб роса сиқдик. Болаларни бўлар-бўлмасга сиқавермоқ. Юракни (ёки қалбни, дилни) сиқмоқ юракни эзмоқ ёки зик қилмоқ. Дала-тошда нечанинг Тугаб мадори, Сиқади юракларни Аламли зори. Ғайратий. | (ч. к. билан) Чеклаб танг аҳволга солмоқ, қийнаб қўймоқ, толиқтирмоқ, зориқтирмоқ. Пулдан сиқмоқ. — [Хушрўй] иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важдан ҳам сиқа бошлайдир. А. Қодирий, Утган кунлар.

**СИҚТАМОҚ**: йиғламоқ-сиқтамоқ ёлвориб йиғламоқ, йиғи-сиғи қилмоқ. Ҳожиди хола индамади эмас, бошда йиғлади-сиқтади, қаршилик қилган чоғлари ҳам бўлди, лекин ҳеч бири фойда бермади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СИҚУВ** 1 сиқмоқ *фл. иш оти.*

2 Тазйиқ, исканжа, сиқик. Сиқувни кучайтирмоқ. — Тепалик мудофаачилари душманнинг икки томондан қилаётган сиқувига бардош бердилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **СИҚУВГА** олмоқ *айн. сиқикқа олмоқ қ. сиқик* 4. Бригадирларни сиқувга олди, правленега масала қўйди, келгуси йилда бундай хунук аҳвол такрорланмаслиги учун сўз берди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**СИҒАРЛИ** Бирор миқдордаги ёки катталиқдаги нарса сиғадиган, элтадиган. Ун литр сув сиғарли идиш.

— Дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас гижиллабгина бир одам сиғарли очилди. П. Турсун, Уқитувчи.

**СИҒДИРИШМОҚ** сиғдирмоқ *фл. бирг. н.* Нарсаларни контейнерга аранг сиғдиршиди.

**СИҒДИРМОҚ** 1 сиғмоқ *фл. орт. н.* Ҳамма нарсани чамадонга сиғдирди. Қувончини ичига сиғдира олмади.

— Зулм; хўрланиш, ҳақорат шунчалик бўлар, Қоратой ака! Бундан ортигини каллам сиғдирмайди, — ғазабдан титраб гапирди Йўлчи. Ойбек, Қуллуг қон.

2 Ўз ичига жў қилмоқ, элтмоқ. Минг литр суюқлик сиғдирадиган цистерна. Минг киши сиғдирадиган зал.

**СИҒИМ** Бирор миқдордаги нарсани элтиш қобилияти, ички хажм. Сиғими катта идиш. **ИССИҚЛИК СИҒИМИ** *физ.* жисм температурасини 1°С кўтарини учун керак бўлган иссиқлик миқдори. **ЭЛЕКТР СИҒИМИ** *физ.* электр конденсаторларининг ва бошқа қурилмаларнинг заряд бир бирлик ошганда потенциал қанча ошишини кўрсатувчи электрик характеристикаси. **КОНДЕНСАТОРНИНГ ЭЛЕКТР СИҒИМИНИ АНИҚЛАМОҚ**. Кеманинг сув сиғимини денг. кема ватерлинияга ботганда кема оғирлигига тенг миқдорда сиқиб чиқарилган сув миқдори.

**СИҒИМЛИ** 1 Бирор миқдордаги сиғимга эга бўлган. Беш юз литр сиғимли цистерна.

2 Қўи элтадиган, сиғдирадиган, сиғими катта. Сиғимли идиш.

**СИҒИНДИ** Ўзга юрда ёки бировникида ҳақ-хуқуқсиз қарам бўлиб яшовчи одам. Шунда Бойсар: «.. энди биз ўз эллимизда сиғинди бўлиб.. юрдиган бўлсак, бу элда бизнинг турғилигимиз қолмайди». «Алломиш».

**СИҒИНИШ** 1 сиғинмоқ *фл. иш оти.* Ўтга сиғиниш. Пулга сиғиниш. Шахса сиғиниш.

2 *айн. ибодат* 1.

**СИҒИНИШМОҚ** сиғинмоқ *фл. бирг. н.* Мажусийлар ўтга сиғинишади.

**СИҒИНМОҚ** 1 *дин.* Худого, азиз-авлиёларга қуллук, ибодат қилмоқ, топинмоқ. Ҳозир бир ўзларини эмас, сизларни йўлайдилар, тонг саҳарларда жойнамога тиз чўкиб «ҳақ йўлдан адашган гумроқ бандалариниға ғазаб қилма», деб худого сиғинадилар. С. Аҳмад, Хукм. Назирқулнинг отаси Шохимардонга сиғиниб қўчқор олиб бориб сўйди. С. Аҳмад, Хукм.

2 *кўчма* Бирор кимсага, нарсага ортиқ берилмоқ, эътиқод қилмоқ, унга бош эгмоқ, тиз чўкиб сажда қилмоқ, чўқинмоқ. Пулга сиғинмоқ. Музга суняма, ёвга сиғинма. Мақол. Қуш бутоққа сиғинар. Мақол. — Жаҳолатда қолган халқ аълам ҳар боранда «садаганг кетай эшоним» деб, унинг оёғига тиз чўкиб сиғинар, назр-ниёз берад эди. П. Турсун, Уқитувчи. | Наҳот истаб бормоқ, бош урмоқ. Ҳар даргоҳга бориб сиғинди, ҳар эшикда новдадай синди. Ҳ. Олимжон.

**СИҒИШМОҚ** 1 сиғмоқ 1, 3 *фл. бирг. н.* Кўчаларга одам сиғишмай кетди.

2 *Айни* бир вақтда ёки бир ерда мавжуд бўлмоқ, бирга, ёнма-ён яшамоқ. Бир-бири билан сиғишмайдиган қарама-қарши фикрлар.

3 *Чиқириш*, эл бўлиб кимсаникида ёки бошқалар ўртасида яшаб, ишлаб

кетмоқ, эликнишмоқ. *У ҳеч қерда, ҳеч кимникида сиғиша олмайди.*

**СИҒМОҚ 1** Жо бўлмоқ, жойлашмоқ, кетмоқ. *Кўп нарса сиғадиган идиш. Қуоққа сиғмайдиган дарахт. Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас. Мақол. — [Қайрағоч] шу қадар улкан эдики, агар унинг гумбазидон доира шаклидаги қалин шоҳлари остига бутун қолхоз одамлари тўпланса сиғиб кетгудай эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Шодлигим кўкка сиғмас, Битмас бахтим бор маним. Х. Олимжон.*

2 Лойиқ, мос келмоқ (кийим, пайфазал ҳақида). *Этик оёғимга сиғмади.* | Бемалол кирмоқ, ўтмоқ. *Ип игнанинг тешигига сиғмади. — Арава сиғмайдиган ичкарилик кўчага бу кун жон кирган. Ойбек, Кутлуғ қон.*

3 Ҳузга паноҳ топмоқ, сиғишмоқ, бемалол яшамоқ, турмоқ. *Ундан чиқиб қаёққа, кимникига бораман, кимнинг уйига сиғар эдим. А. Қахҳор, Мастон. Унинг [Абдурасулнинг] от миниб кўчадан ўтганини кўрган Олахўжа ҳайрон бўлди. — Ҳуз сиғмас ичига, ғалвир боғлар дўмига. Қишда бу отни қерда сақлаб, нима билан боқар экан. П. Турсун, Ҳўитувчи. — Сенларнинг зулминдан қанча одамлар тентиради. Ҳуз қишлоғига ўзи сиғмади. — деди Ойимхон. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

◆ **Ақлга сиғмайди қ. ақл. Ичига сиғмайди** тўлиб-тошган, беҳад (севинч, шодлик, дард ва ш. к. ҳақида). — *Мен сенга айтсам, дўстим, — деди Элмурод, — хурсандлигим ичига сиғмайди. П. Турсун, Ҳўитувчи. Игитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан ҳувончи ичига сиғмасди. С. Ахмад, Уфқ. Кўнглига (ёки дилига) сиғмайди айн. юрагига сиғмайди 2. Пешанасига сиғмайди қ. пешана 3. Тасвирга (ёки таърифга) сиғмайди тасвирдан, таърифдан ташқари, таърифлаб ҳам бўлмайдиган; аъйиб. *Гўзаллиги таърифга сиғмайди. — Тошкент тонгонтари нақадар гўзал, Чиройли, тасвира сиғмас, сермазмун. Ғайратий. Юрагига сиғмайди 1) ичида ётмайди, бировга айтмас бўлмайди. Ҳуз юрагинега сиғмаган сир ўзганинг юрагига сиғмас. Мақол; 2) кўнгли кўтармайди, кўнглига ёқмайди, хуш келмайди (фақат нохуш, дилгир кайфиятдаги кишига нисбатан айтилади). Қўлидан гўнғир-гўнғир гапдан бошқа иш келмайдиган бу одамнинг лип этиб кириб келавериши кейинги вақтда Қудратиллаҳўжанинг юрагига сиғмай қолган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Юрагига (ёки кўнглига, дилига) қил ҳам сиғмайди юрагига ҳеч нарса ёқмайди. Умрини ҳалол, беғуноҳ ўтказган игитнинг ҳозир кўнглига қил сиғмайди. С. Ахмад, Хукм. Ҳадди сиғмайди қ. ҳад 13. Ҳаёлга сиғмайдиган ҳаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган, ҳаёлда ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган.**

**СИҒАТ** [а] Тан соғлиги, соғлиқ, соғломлик. *Сиғатининг яхшими? Тан-*

*жонининг сиғатми? Биз бу ерда ҳаммамиз сиғат ва саломатимиз. Сиғат тилсанг, кўп ема, иззат тилсанг, кўп дема. Мақол. — Гўзал қизинингнинг сиғати жуда яхши. А. Мухтор, Опа-сингиллар. У [Нодира], ўзи ювош, ҳамиша тортиниб, чўчиброқ юрар, сиғати заиф одамлардай кўринарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Сиғат топмоқ айн. сиғатланмоқ.*

**СИҒАТЛАНМОҚ** Касалдан яхши бўлиб турмоқ, тузалмоқ. *Бир ой касалхонада этиб сиғатланиб кетдим.*

**СИҒАТЛИК** Тан-жони соғлиқ, саломатлик. *Сиғатлик тиламоқ. — Нигора қадам босган чўпонларнинг чайлаларига у билан бирга шодлик, сиғатлик кириб боради. С. Анорбоев, Оқсой.*

**СИҒАТ-САЛОМАТ** [а] Соғ-саломат, эсон-омон. *Қалай, сиғат-саломат юриб-сизми? — Минг шукурким, келдинг бузун сиғат-саломат, шодман. Ҳамза. Қариндош аёллар. Москвага кетган кўёнинг сиғат-саломат қайтиши учун ҳар қайсиси ўз билганича дуо қилишди. Ойбек, Кутлуғ қон.*

**СИҒАТ-САЛОМАТЛИК** Соғ-саломатлик, эсон-омонлик. *Дўстларга сиғат-саломатлик тиламоқ. Сиғат-саломатлигини билиб хурсанд бўлмоқ.*

**СИҒАТСИЗ** кам қўлл. Сиғати, соғлиги ёмон; касалманд, касал. *Сиғатсиз одам. Сиғатсиз бўлиб қолмоқ.*

**СКАМЕЙКА** [р] Икки ёки тўрт оёқли узун тахта ўриндиқ. *Шербек.. бурчақда бўй турган скамейкага бориб ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**СКАНДИЙ** [р] Нодир химиявий элемент, металл.

**СКАРЛАТИНА** [р<итал] Кўпинча болаларда бўладиган, нафас сиқилиши ва иситма билан характерланган, қизил тошмали оғир юқумли касаллик.

**СКАФАНДР** [р<фр] Сув остига тушишда, шунингдек стратосфера ва космосга учушда қийиладиган, нафас олиш учун кислород билан таъмин этиб турувчи аппарати бўлган махсус герметик кийим.

**СКВАЖИНА** [р] Бурғилаб қавланган қудуқ. *Газ скважинаси. Нефть скважинаси.*

**СКВЕР** [р<ингл] Шаҳар, посёлка, қишлоқ доирасида бўладиган кичикроқ жамоат боғи. *Тошкентдаги Революция сквери.*

**СКЕЛЁТ** [р<грек] анат. Одам ва ҳайвон гавдасининг негизини ташкил этган суяклар мажмуи. *Мамонтнинг скелети. Одамнинг скелети.*

**СКЕПТИК** [р<грек] 1 филос. Скептицизм тарафдори.

2 Ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қарайдиган одам.

**СКЕПТИК** [р скептический] 1 филос. Скептицизмга оид, скептицизмга асосланган, скептицизм руҳи билан суғорилган. *Скептик идеализм.*

2 Ишончсизлик руҳи билан суғорилган. *Масалага скептик қараш.*

**СКЕПТИЦИЗМ** [р] 1 филос. Объектив ҳақиқатни тўғри ва аниқ билиш мумкинлигига ишончсизлик билан қаровчи идеалистик фалсафий оқим. *..релятивизмни билиш назариясига асос қилиб олиш — ўзининг муқаррар суғуртада ё абсолют скептицизмга, агностицизмга ва софистикага ёки субъективизмга маҳкум қилиш демакдир. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.*

2 Ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қараш; ишончсизлик.

**СКИПИДАР** [р] Игнабаргли дарахтлар смоласидан ҳайдаш йўли билан олинадиган ўткир хидли туссиз ёки сарғиш суюқ модда.

**СКЛАД** [р] Материал, мол ва ш. к. сақланадиган махсус бино, хона; оморбор. *Тахта склади. Кўмир склади.*

**СКЛАДЧИ** Складда ишловчи киши; оморбор. *Қолхоз складчиси.*

**СКЛЕРОЗ** [р<грек] мед. Турли органларда айрим специфик элементлар камайиб, уларнинг ўрнини боғловчи тўқималар эгаллаши натижасида орган деворларининг дағаллашувидан иборат касаллик. *Мия қон томирлари склерози.*

**СКОРИЙ** [р скорый], скорий поезд пассажир ташийдиган тез юрар поезд.

**СКРЕПКА** [р] Қоғозларни, ҳужжатларни бир-бирига тиркаш учун ишлатиладиган сим қисқич.

**СКРИПКА** [р] Қамонча билан чалинадиган тўрт торли музика асбоби. *Скрипка садоси. Скрипка чалмоқ. — Сорокин.. Қудратга буёруқ берди: — Қани, скрипанени созла. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**СКРИПКАЧИ** Скрипка чалувчи созанда. *Моҳир скрипкачи.*

**СКУПШЧИНА** [р скупщина] Югославияда сайлаб қўйиладиган олий ҳокимият органи.

**СЛАВЯН** [р славянин] қ. славянлар. *Славян тиллари. || Славян аёл.*

**СЛАВЯНЛАР** Европа ва Осиёда яшовчи, тили ва маданияти бир-бирига яқин халқлар; уч катта гуруҳга бўлинади: шарқий славянлар, ғарбий славянлар, жанубий славянлар.

**СЛАВЯНШУНОС** [р+ф-т] Славяншунослик, славян филологияси бўйича мутахассис олим.

**СЛАВЯНШУНОСЛИК** Славян халқларининг тиллари, тарихи ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи.

**СЛАНЕЦ** [р] Қатлам-қатлам тузилишга эга бўлган, юққа пластиналарга ажраладиган тоғ жинси. *Ёнувчи сланец.*

**СЛЕСАРЬ** [р] Металл буюмларни қўлда ишлаш, ясаш, тузатиш бўйича мутахассис ишчи; чилангар. *Юқори малакали слесарь. Монтажчи слесарь. Ремонтчи слесарь.*

**СЛЁТ** [р] Оммавий ташкилотларнинг ёки бир касбдаги кишиларнинг катта йиғилиши, кенгаши. *Илғор механизаторлар слёти. Пионерлар слёти. — Илғор бригадаларнинг район слётида*

райкомнинг секретари отага катта баҳо берди. А. Қаххор, Асрор бобо.

**СЛОВАК** [р] қ. словаклар. Словак тили. || Словак аёл.

**СЛОВАКЛАР** Ғарбий славянларга мансуб халқ, Чехословакия составидаги Словакиянинг асосий халқи.

**СЛОВЕН** [р словенец] қ. словенлар. Словен тили. || Словен аёл.

**СЛОВЕНЛАР** Жанубий славянларга мансуб халқ, Югославия составидаги Словениянинг асосий халқи.

**СЛЮДА** [р] Юпқа қатламларга ажраладиган қаттиқ шаффоф минерал.

**СМЕНА** [р] 1 Урин алмашининг ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар группасининг бошқа кишилар группаси билан алмашинувига қадар давом этадиган вақт бўлаги. *Икки сменада ишлаш. Биринчи сменада ўқиш.*

— *Эртаси иккинчи сменадан қайтишда Набиғул Қодир билан бирга кетди.* А. Қаххор, Қанотсиз читтак. *Кудрат бу бола билан кечанига яқиндан танишди. Ҳарнинг иккиси бир мактабдан бўлса ҳам смелалари бошқа, қишлоқлари ҳам бошқа эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Шу вақт давомида бирга ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар группаси. *Янги смена ишга чиқди. Смена шидан қайтди.* — *Смена мастери уни биринчи марта ер остига олиб тушиганида Иномжоннинг бўладигани бўлган эди.* С. Аҳмад, Мўтти. || *Рафиқовнинг сўзига қараганда Ильич заводида ишлаган уч смена ишчилар уч дам олиш кунни теримга ёрдам бермоқчилар.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**СМЕНАДОШ** [р+ф-т] 1 Бир сменада ишловчи, ўқувчи ва ш. к. кишиларнинг ҳар бири (бошқаларга нисбатан).

2 Бир-бирини алмаштирувчи, ўринини олувчи, ўринни босувчи. *Биз дам олаётган пайтда сменадошларимиз теримни давом эттирдилар.*

**СМЕНАЛИ** Сменалари бўлган, смелаларга бўлинган. *Уч смелали иш. Икки смелали ўқиш.*

**СМЕТА** [р] Олдиндан тузилган крим-чиқим, даромад-буромад ҳисоби. *Ремонт сметаси. Қурилиш сметаси. Смета тузмоқ. Сметага киргизмоқ.*

— *Техник чақириб план ва смета тузиш, неча нуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. | Шундай крим-чиқим, даромад-буромадлар ҳисоби ёзилган ҳужжат.

**СМЕТАНА** [р] Ивитилган сутдан олинган қаймоқ.

**СМОЛА** [р] Игнабаргли ва бошқа баъзи бир ўсимликлардан ажралиб чиқадиган, ҳавода қотиб қоладиган елимшак модда; шира. *Қарагай смеласи. Қуюқ смола. Ҳушбуй смелалар. Синтетик смола.*

**СМОЛАЛАМОҚ** Смола суртмоқ ёки сингдирмоқ. *Қайиқларни смелаламоқ.*

**СМОЛАЛАНМОҚ** смелаламоқ *фл. мажҳ. н. Смолаланган тахта.*

**СМОЛАЛИ** Смола берадиган; серсмола. *Смолали дарахтар.*

**СНАЙПЕР** [р-<ингл] Махсус таълим олган мерган, моҳир отувчи. *Гвардиячи снайперлар. Снайперлар милтиғи.* — *Немис танкчиси тутун ичидан бошини чиқариши биланоқ снайпернинг ўқиға учди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**СНАРЯД** [р] 1 Артиллерия қуролларидан отиладиган ўқларнинг бир тури. *Портловчи снаряд. Ендирувчи снаряд.* — *Душман артиллериясининг снарядлари, ҳаво бомбардимони бир неча траншея ва окопни бир-бирига улайдиган йўлларни кўйиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Баъзи техник қурилмалар номи. *Ер қазувчи снаряд.*

3 Гимнастика асбобларининг умумий номи. *Снарядда машқ қилмоқ.*

**СОАТ** [а] 1 Сутканинг йнгирма тўртдан бир улусиға тенг вақт ва шу мудатни кўрсатувчи вақт ўлчови. *Бир соат — олтимиш минут. Орадан уч соат ўтди.* — *Отабек Марғилонга ҳар нимадир бир соат илгарироқ етиш учун ошиқар эди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Элмурод ўқишга киришди. Соатлар давомида ҳеч ким чирқ этмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Туш пайтидан ёки ярнм кечадан бошлаб шу ўлчовда ҳисобланадиган вақт оралиғи; пайт. *Иш эрталаб соат тўққиздан бошланади.* — *[Отабек ва Али] кечки соат тўртларда Қоймас дарвозасидан қайтиб шаҳарга кирдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

3 Вақтни сутка давомида шу ўлчовда ўлчайдиган асбоб. *Олтин соат. Чўнтак соат. Деворий соат.* — *Спаск башнясидаги соат саккиз марта жаранелади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чол ҳар вақтдаги каби жиддий сукутга ботди, сўнгера соатиға қаради.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Йигит серақлик билан бошини кўтарди ва ишмининг соат чўнтагидан билетини олиб, кондукторға узатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ўқув машғулотни учун белгиланган 45 минутли вақт, дарс. *Инглиз тили учун ҳафтада икки соат ажратилган. Қирқ соат дарс олмақ.*

5 Умуман вақт, фурсат, пайт, он. *Ҳозирги соат азиз ва қутлуғ соат.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Нормат ҳам шу соатда Адолатни ўйлаётгандир, эҳтимол яраланиб, азоб тортаётгандир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Маълум мақсад учун белгиланган, хос вақт. Қабул соатлари. Иш соати.* — *Ўрдага алоқаси бўлмаган кишилар боққа киролмаслар, фақат ҳафтада бир кун кўнгли очин соатларида, баъзи мустасно зотлар учун боғнинг йўли очиқ бўлар эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

6 Соат (эркаклар исми).

**СОАТЛИ** 1 Соат давомидаги, ...соат

давом этган ёки этадиган. *Икки соатли лекция. Саккиз соатли иш кунни. Беш соатли йўл.* — *Ярим соатли отиши, чопшидан сўнг сипоҳлар занжирлиқ оломоларини қочириб, Баланд масжид четига етдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Соатлар бўйича тузилган. *Соатли график.*

3 Соати бўлган, соати бор. *Соатли киши.*

**СОАТСОЗ** [а+ф-т] Соат ясовчи ёки тузатувчи уста.

**СОАТСОЗЛИК** 1 соатсоз с. қасб оти. *Соатсозликни ўрганмоқ.*

2 Соат ишлаб чиқариш. *Соатсозлик заводи.*

**СОБАЧКА** [р] *тех.* Турли машина ва механизмларда айланувчи деталларнинг тескари айланишиға йўл қўймайдиган тишсимон қисм.

**СОБИТ** [а] 1 Бир гапда, мақсадда, маслакда мустаҳкам турадиган; оғишмас. *Собит қурашчи. Собит дўст.*

— *[Наби қори:] Менинг шоирларим орасинда пишиқ-пухтагинаси, собит ва азмкор, ҳеч шубҳа йўқдирки, шу Орипов афандидир.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **СОБИТ** қадим айн. **СОБИТ** 1. *Норқўзи ака, сиз билан биз мақсидимиз йўлида собит қадим ҳамнафас бўлмасак, анчагина қийинчиликларға дуч келишимиз мумкин.* Ҳ. Ғулום, Сенга интиламан. **СОБИТ** қадимлик бир гапда, мақсадда, маслакда мустаҳкам туриш; оғишмаслик. **СОБИТ** қолмоқ бир гапда, мақсадда оғишмай мустаҳкам турмоқ. *Агар биз, шу ўтирган оғайнилар, боғеи гапда собит қолсак, сиримизни яна яшириб кетиши мумкин.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Собит (эркаклар исми).

**СОБИТҚАДАМ** (тўғриси собит қадим) қ. собит 1.

**СОБИТҚАДАМЛИК** (тўғриси собит қадимлик) қ. собит 1.

**СОБИҚ** [а] Ўтмишда бўлиб ўтган, илгариги. *Собиқ директор. Собиқ мустамлака мамлакатлар.* — *Илиниб турганингени сезасанми, раис,— деди у ҳаёл суриб,— энди сен ҳақиқий раис эмас, собиқ раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**СОВУН** [а] *эск. кт. айн. совун.*

**СОВЁТ** 1 [р] 1 Ишчилар синфининг диктатурасини амалга оширадиган ва социалистик жамиятнинг сийсий ташкилот формаси бўлган давлат органи. *Ўзбекистон ССР Олий Совети. Халқ депутатлари Совети. Қишлоқ совети.* | Шундай орган жойлашган бино. *Малоҳатхон... эрининг қаршилиғига қарамай, район советиға уборишица бўлиб кирган эди.* А. Қаххор, Жонфигон.

2 Сайлаб ёки тайинлаб қўйиладиган бошқарув-раҳбарлик давлат ёки жамоат органи. *СССР Министрлар Совети.*

3 Баъзи муассаса, ташкилот ва

ш.к.нинг раҳбар ёки кенгаш органи. *Илмий совет,*

◆ **Иттифоқ Совети** СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли икки палатасида бири, СССРнинг барча меҳнаткашлари манфаатларини химоя қилувчи орган. **Миллатлар Совети** СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли икки палатасидан бири, СССР халқларининг тенг ҳуқуқли ва дўстлигига асосланган ҳолда уларнинг миллий манфаатларини химоя қилувчи орган.

**СОВЕТ II** [р советский] 1 Совет тузумига оид, совет тузумига асосланган. *Совет ҳокимияти. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи.* 1 Совет давлат органлари ва уларнинг фаолиятига оид. *Хўжалик ва совет ташкилотлари. Партия ва совет ходимлари.*

2 СССРга, совет мамлакатига оид, совет мамлакатига тааллуқли бўлган. *Совет ҳукумати. Совет кишилари.* — *Жонажон совет эли Бахтизмиз бизнинг. Партия йўлбошимиз Биз йўл-қизинг.* И. Муслим. 1 Совет мамлакатига, совет тузумига хос бўлган. *Совет демократияси.* 1 Совет кишиларига хос бўлган. *Совет идеологияси. Совет ватанпарварлиги.*

**СОВИМОҚ** 1 Иссиғини, ҳароратини атрофдаги муҳитга ёки бошқа нарсага бериб совуқ ҳолга келмоқ. *Сув совиди.*

— *Турсун ой туҳум билан қовурилган мойли кўйи ёғитини бир хитой лағанда келтириб, сандал устига қўйди. «Туринг, совиб қолмасин»,— деди. Ойбек, Қутлуғ қон.* 1 Иссиқлик даражаси, температураси пасайиб бирмунча совуқ бўлмоқ, салқинлашмоқ. *Ҳаво совиди.* — *Уй совиб кетган чоқларда қурт овқатга қарамай қўяди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. 1 Баданидан ҳоври кўтарилиб ўзига келмоқ. *От совиди.* 1 кўчма Бирмунча вақт ўтиб асарини, ҳароратини йўқотмоқ, эскирмоқ ёки унутилмоқ. *Ўрни совимасдан эгаллаб олмоқ.* — *Қандай ота у? — қичқирди Нури.— Оймининг тупроғи совимасдан, чўри қизга уйланадими? Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўчма Ҳовридан тушмоқ, пасаймоқ. *Мамашанинг қилиқларидан хафа бўлмайсиз-да, қўшини. Кейин совиб қоладилар. «Муштум», 1962, № 3.* 1 Жўшқинлигини, хуружини, авжини, қизини йўқотмоқ, сусаймоқ, сўнмоқ. *Бозор совиди. Базм совиб қолди.*

3 кўчма Кўнгли қолиб меҳр-муҳаббатини, майлини, ихлосини йўқотмоқ. *Ишдан совимок.* — *Орамизда не воқеа рўй берди-ки, менадан совиди. Ойбек, О.в. шабадалар. Дарслардан совидим, ҳеч ким билан ишим йўқ.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Бригадиримизда бўрли, муносиб одаму, кейинги вақтларда қўли ишдан совиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кўнгли совиди қ. кўнгли 1.**

**СОВИТИЧ** *тех.* Совитувчи асбоб, қурилма.

**СОВИТИЛМОҚ** *совитмоқ фл. мажх.*

*н. Совитилган сув.* — *Қишлоқ ҳавоси шунақа: бу ерда уч-тўрт соат мизғиб олган одам мириқиб, совитилган улоқчи отдай бўлиб тураверади.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**СОВИТМА** Совитиб тайёрланган, совитилган. *Совитма ош.*

**СОВИТМОҚ** 1 *совимок фл. орт. н.* Уйни совитмоқ, Қомпоти совитиб ичмоқ. — *Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса Қудрат акани, қаммаган бўлса, аҳолини қўрқитмаслик, ишдан совитмаслик учун қаммаган.* М. Исмониллий, Фарғона т. о. [Қудрат:] *Кўз ёши тўкма! Халқ уйғонди. Қурашни совитманлар.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 *мажх.* Боқувдаги отни секин-аста юргизиб оёқларининг чигилини ёзмоқ ёки қизиб турган отни секин-аста юргизиб ховридан туширмоқ. *Отни бир оз совитдим. Беда солдим.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 *энт.* Иссиқ-совуқ, амал қилиб кўнглини қолдирмоқ, ихлосини қайтармоқ. [Домла Фотимага:] *Совитмоқ учун бир қанча нарсаларга дам солмоқ керак, айниқса, чойга, қандга, ундан кейин бир банд қилиб бераман, эрингиз ётадиган жойга қўясиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

◆ **Иссиқ ўрнини (ёки жойини) совитмоқ** яхши ўрнашиб ишлаб ёки яшаб турган жойини алмаштирмоқ.

**СОВЛИК:** совлик кўй урғочи кўй, она кўй.— *Совлик кичик бўлишига қарамай, тахтакадек, бозорда мунчалик биққи кўй йўқ деса бўлади, деб ўйлади Шоқиржон ака.* С. Абдулла, Дами чиқиб кетди.

**СОВРИЛМОҚ** с. т. Согурилмоқ.

**СОВРИН** Улоқда, пойгада, мусобақада ғолибларга бериладиган мукофот. *Ҳиммат звеносидига йигитларнинг иккитаси фронт кўрган. қолганлари улоқларда соврин олган йигитлар эдилар.* М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат.

**СОВУМОҚ** *айн. совимок.*

**СОВУН** [а] Ювиниш ёки кир ювиш учун ёғ ва ишқорлардан тайёрланган, яхши кўпирайдиган хўжалик буюми. *Атир совун. Қир-совун. Совун суртмоқ. Совун кўпиртирмоқ.* — *Халтачани очди. Унинг ичидан бир ишиша атир, ироқи совун, устара чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қалби вайрон бўлган, умидлари совун кўлигидек сассизгина ўчган онанинг хаёллари сўнмас эди.* С. Ахмад, Уфқ.

◆ **Ер совун** чиннигуллилар оиласига мансуб кўп йиллик доривор ўсимлик. **Совун тош с. т.** каустик сода. **Совун ўт айн. совунак.** Совунига кир ювмасиз уни ҳали яхши билиб олмасиз, синмасиз, унга ҳали ишингиз тушмади. *Менинг совунимга кир ювмасиз! Шошмай туринг, қўзингизни мошдай очиб қўйганимда биласиз! М. Исмониллий, Фарғона т. о.*

**СОВУНАК** [ф-т<а] Наврўз гулли-

лар оиласига мансуб бир йиллик доривор ўсимлик.

◆ **Совунак** ҳолва парвардасимон оқ холва. *Шанба кун олтита чачмак, тўртта ширмон, бир қадоқча совунак ҳолвани, дастурхон қилиб беришди.* А. Каҳхор, Ўтмишдан эрталав.

**СОВУНГАР** [а+ф-т] 1 Совун ишлаб чиқарувчи касиб, хунарамид. [Умурзоқ:] *Гўштини сихга тортиб, ёғини совунгарга сотаман, биласанми! Ҳамза, Паранжи сирларни. Раиснинг одамларидан бири совунгар бир касибга осилиб қолди.— Тошинг тўғри эмаску!* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Совунгарлик саноатининг ишчиси. *Қорхона совунгари.*

**СОВУНГАРЛИК** 1 *совунгар с. касиб оти.*

2 Совун ишлаб чиқариш. *Совунгарлик саноати.*

3 Бозорда совунгарлик растаси.

**СОВУНЛАМОҚ** Совун суртмоқ, совун суртиб ювмоқ ёки ювинмоқ. *Қирни совунламоқ. Қўлни совунлаб ювмоқ.* — [Сигирни] «.. анҳор лабида совунлаб чўмилтириш»,— деди Мурод. А. Миррахмедов, Қулган чечаклар.

**СОВУНЛАНМОҚ** *совунламоқ фл. мажх. н.* Совунланган кир.

**СОВУНЧИ** *айн. совунгар 1.*

**СОВУРИЛМОҚ** *совурмоқ фл. мажх. ва мажх. н.* Хирмондаги ҳамма дом шамолда бир соатда согурилди. — *От туёқларидан кўтарилган чанг бирпасда дала шабадасига согурилиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Насимжоннинг топган-тутгани неча бор согурилган.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бехудага (ёки елга) согурилмоқ айн. кўкка согурилмоқ 2.*

**СОВУРМОҚ** 1. қ. х. Шамолда шоқириб тозаламоқ, шоқирмоқ. [Бободехқон:] *Кун қизиб турган пайтларда, бошидан офтоб ўтишига қарамай, янчиқ янчибди. Кечки шамолда бундой согурибди.* С. Анорбоев, Бободехқон сўзи.

2 кўчма Бехудага кеткизмоқ, бехуда сарф, харажат қилмоқ. *Пулни соғурмоқ.* — *Стенлилар авлодининг икки юз йил мобайнида топганини сен соғурадиган бўлдинг, гадо қилсан бу хонадонни,— деди кампур Стенлига.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. 1 Маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ, бехудага чиқармоқ. *Тилакларимни соғурганинг етмай, тилак уйимни йиққанинг нимаси.* М. Исмониллий, Фарғона т. о. *Шоирнинг юрагида ҳақиқат душманларига қарши, ҳаммадан севгани ҳаёт гулини соғурмоқчи бўлган ёвуз кучларга қарши ғазаб ёнар эди.* Ойбек, Навоий. **Кўкка соғурмоқ айн. соғурмоқ 2.** *Шамол кутурар, қорни оппоқ тўзюнга айлантириб кўкка соғурар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.— *Бизни давлат пулини кўкка соғурувчи тенгачлар, халқпарастлар, деб аташайтганлар ҳам йўқ эмас,— деди Дониёров Моҳидилга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Кулини*

кўкка совурмоқ батамом йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ағдариб ташламоқ.— Эринг билан-уканг қайқад? Айт, бўл-маса кулингги кўкка совурамыз! — деб дағдаға қилди у. С. Анорбоев, Оқ-сой. Ишчи синфи! Ун еттинчи йилги Петербурда оқ пошчи салтанатининг кулини кўкка совурган ҳам ўша. А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

**СОВУТ тар.** Танани найза, ўқ зар-бидан сақлаш учун кийиладиган пў-лат симдан тўқилган кийим. *Ғира-шира тонг қоронғисиди дарвоза яқ-нидаги майдонда совут устидан пў-стин кийиб олган Ҳожиб бир неча му-лозимни билан турарди.* М. Осим, Утзор.

**СОВУТМОҚ** совумоқ *фл. орт. н. айн. совитмоқ.*

**СОВУҚ** 1 *от* Паст ҳарорат, паст температура. *Олимвонинг ҳикояси бо-лаларнинг фаҳмида шундай таассурот қолдирди: иссиқ билан совуқ, қор билан ёмғир, сув билан ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар,— буларнинг бари таби-атдаги қазииш, ўйиш, емириш куч-лари ҳисобланар экан.* Ҳ. Назир, Сўн-мас чақмоқлар. *Қуз ҳавосининг суяк-ларни зирқиратуви совуғига қарамай гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Ҳарорати, темпера-тураси паст ҳаво; аёз. Эрталабки совуқ. Тун совуғи.* — *Дарча очилиши билан қоронғи ҳужрага совуқ ёпири-либ кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эшикка чиқсам, совуқ бурнимни узиб оламан, дейди.* И. Раҳим, Чин муҳаб-бат. *Қариллик қурсин. Салгина зах, совуқ ҳам суяк-суягимдан ўтиб кетади, чироқ.* С. Анорбоев, Оқсой. **Қуруқ (ёки қора) совуқ** ҳаво очик ёки қор ёғмай турган вақтдаги қаттиқ аёз. *Тошкентда.. ўткир қуруқ совуқ!.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бир тун-дайқ қора совуқ ғўзани уран эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Совуқ емоқ (ёки қотмоқ)** айн. **совқотмоқ.** *Биров-нинг ишига саратонда қўл совуқ қо-тади.* Мақол. — *Кун иссиқ, пиджак-сиз кетай дейман-у, кечасига қолсам совуқ емай деб қўрқаман.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Совуқ олди (ёки урди)** совуқ қаттиқ таъсир этиб ёки музлатиб ишдан чиқарди, шнакст-ларди. *Қўлимни совуқ олибди. Олма-ларни совуқ уриб кетибди.* | *Ҳаро-рати, температураси паст жой, муҳит. Қиш кунлари сиз бир ишига сув тўл-дириб, оғзини бекитинг-да, совуқда қолдингиз.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқ-лар.

2 *от, этн.* Совуқлик овқатларни кўп истеъмол қилиш натижасида организм фаолиятининг сусайиши. *Совуқни оши-радиган овқат. Совуғи ошди* 1) совуқ-лик овқатни еявериб ланж бўлди. *«Сут-қатиқларинг совуғимни ошириб юборяпти. Шаҳарда безор яқин эди, асал олдириб турардим»,— деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) *кўчма безор бўлди, кўнглига урди. Узимиз*

*ҳам етимваччалар орасида хўп чидам билан ўқидик-да, а? Қайси бирини кўрмай, ҳали ҳам совуғим ошади.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

3 *сфт* Ҳарорати, температураси паст. *Муздек совуқ сув.* — *Кескин совуқ шам-ол дарахларни шошуллаптиб эсарди.* Ойбек, Кўёш қораймас. | *Темпера-тураси белгили чегарадан паст ёки жуда ҳам салқин, аёз. Совуқ ҳаво.* || *Ҳаво совуқ. Қун совуқ.* — *Кўзимизга бегона бўлиб кўринган бу совуқ йл-када биз ўт юракли, соф виждонли, меҳнатсевар кишиларни учратдик.* С. Тошхўжаев, Кураш йиллари. | *Сови-ган ёки совитилган, яхна. Совуқ ов-қат.* — *Қодир уйғонди, у ҳаддан таш-қари чанқаган эди, чойнакда қолган совуқ чойни шимириб, атрофига қа-ради.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. | *Иснитилмаган, қизитилмаган. Совуқ уй.* || *Уй совуқ.* — *Барак совуқ, деразалар яхлаб қолибди.* И. Раҳим, Чин муҳаб-бат.

4 *сфт, кўчма* Ўзига жалб қилмай-диган; ёқимсиз. *Совуқ одам. Совуқ башара.* || *Ўзи совуқнинг қилғи ҳам совуқ.* Мақол. — *Ғулможон югуриб бориб, Соли совуқ қўлидаги қамчиға чанг солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўйинг, Нуъмонжон ака, қиз болани қўлтиқлаб юршини ҳам билмайсиз-а!* *Бирам совуқ, бесўнақайсиз.* М. Бобо-ев, Гўзаллик истаб. | *Кўнгилга ёқ-майдиган, хуш келмайдиган; кўпол, дағал. Совуқ ҳазил. Совуқ жавоб.* *Совуқ муомала.* — *Совуқ гапни қўйинг, раис!* *Кўринг, қанча-қанча ишларни бажариб қўйдик.* *Бизга бўрон ҳам тўсқинлик қилолмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Унга шундай тую-ладими, қайдам, Акрамининг муома-ласи совуқ, расмий эди.* С. Анорбоев, Оқсой. || *Унинг оддий гапи ҳам совуқ эшитилди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. || *Райкомда унинг аризаси военкоматга ўтказилганини айтдилар, военкоматда эса Адолатни жуда совуқ қарши олиш-ди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳам-раве.. бола тарбиялашини билмаган, ёки бу ишга совуқ қараган ўқитув-чиларни уялтирмоқчи эди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда.

5 *ёқимсиз, кўнгилсиз, нохуш. Совуқ хабар.* — *Едимга унинг ўша қисқа, лекин менинг энг азиз ҳис-туйғуларим-ни янчиб ташлаган совуқ мактуб тушди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

◆ **Совуқ уруш сиёс.** империалистик агрессорларнинг халқро муносабат-ларда кескинлик туғдириб янги уруш оловини ёқинга қаратилган сиёсати. **СОВУҚЛИК** 1 *совуқ с. белги оти.* *Ҳавонинг совуқлиги. Уйнинг совуқ-лиги. Қилиқнинг совуқлиги.* — *Гапи-нинг қўрслиги, муомаласининг совуқ-лиги учун қўшмоқлар уни Соли совуқ деб атардилар.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о.

2 *айн. совуқ* 1. *Манглайда совуқ-лик ҳис этиб, Қумуш кўзини очди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

3 *Совуқ гап, муомала, ҳаракат, қи-лик. Ҳозир унинг [Сидиқжоннинг] кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўзидан қочирадиган қари қиз эмас, кўп йигитларни ўзига шайдо қилган.. бир нозанин бўлиб кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 *айн. совуқчилик.* *Орага совуқ-чилик солмоқ.* — *Орамизга совуқлик тушади, .. кейин мен кўрпа-ёстигимни кўтариб, қай эшикка бораман.* Ой-бек, Қутлуг қон. [*Ёрқиной*] *дадаси-нинг терс юрганидан қайнонаси ол-дида ўзини гуноҳкор сезарди. Ҳайри-ят, орадаги совуқлик хийла юмшабди.* Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

5 *Ўзбек халқ медицинасида:* паст калорияли овқатлар (*ёвгон хўрда, сут-қатик, сабзавот ва ш.к.*); *тақ. иссиқ-лик 3.— Э, чойи кабуд, мижозга совуқ-лик қилур,— деди у.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СОВУҚХОНА** 1 *айн. музхона.* 2 *Маҳаллий типдаги ҳаммомларнинг иссиқхонасидан дам олиш, нафасни ростлаш учун чиқиб ўтирилладиган алоҳида совуқроқ хонаси. Совуқхонада ювинмоқ. Совуқхонага чиқиб дам ол-моқ.*

3 *тар.* Зиндоннинг алоҳида муздек совуқ бўлмаси.

**СОВУҚЧИЛИК** Бир-бирини ран-житиш, ўзаро адоват, низо ва ш. к. туфайли ўзага келган ҳолат, совуқ муносабатлар. *Орага совуқчилик сол-моқ.* — *Шерали Норқўзи билан Феруза ўртасига совуқчилик тушганини сез-ди-ю, .. аралашшини эп кўрмай, ин-дамади.* Ҳ. Гулом, Сенга интилямань.

**СОВУҚҚОН** 1 *Бўлар-бўлмасга ҳо-влиқиб ёки туюқиб кетмайдиган; оғир, вазмин. Совуққон одам.* — *У [Ўғ-ғонбек] Шаҳзодага ниятларини дилга яширишни, ҳар қандай шароитда ҳам яширин ишлашни, ҳар вақт совуққон бўлишни кенгаш берди.* Ойбек, На-войӣ.

2 *Этиборсиз, беларво. Совуққон раҳбар.*

**СОВУҚҚОНЛИК** 1 *совуққон* 1 с. *белги оти.* *Ўзини совуққонликка сол-моқ. Совуққонлик қилмоқ.* — *Албат-та, эл фойдасидан кўра ўз манфаати-ни олдинга сурувчи бу чўталчи бекларга қарши ҳожининг совуққонлик сақлай олиши ва асабийлашмаслиги мумкин эмас эди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Қиз ўз устида чиқарилган.. шарман-далик, хору зорлик ҳукмини одатиға қарши, татом совуққонлик билан қар-ши олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сўз Гулшан билан учрашини ва ундан олинган жавобга етганда Анварнинг туси ўзгариб, киприк остлари учиб кетди. Аммо кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 *Этиборсизлик, беларволик. Ўз ишига совуққонлик билан қарамоқ.* — *Қурилиш лойиҳасини тузган одам-ларнинг масъулиятсизлиги, Элчибек-нинг совуққонлиги бошлиқни худди*

тиш *огриғидай*. *бетоқат қилар эди*. А. Мухтор, Тўғрлиш. *Агар зарарни .. қайтармоқ мумкин экан, бу ишда совуққонлик қилган киши қатта хато қилган бўлади*. Ойбек, Навоий.

**СОВХОЗ** [р] Совет хўжалиги, социалистик типдаги йирик давлат қишлоқ хўжалик корхонаси. *Пахтачилик совхози*. *Илғор қоракўчаллик совхози*.

**СОВЧИ** *этн.* Уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. *Совчи қўймоқ*. ■ *Қелиноиллари деярли ҳар кун инага [Нурига] хушхабар топиришади: «Отабой ўртага киши қўйдирибди: кичик ўғлига сизни сўратипти, ёки «Мусабекларникидан яқинда совчи келармиш, Салим акангиз гапирди, йигит жуда чиройли эмиш»*. Ойбек, Қутлуг қон. *Мулла Абдурахмон хотинлар сўзига ишонмай, Солиҳ маҳдумнинг ўз олдига маҳалладан бир-иккита кексани совчи қилиб юборди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**СОВЧИЛИК** *совчи с. мавҳ. от.* *Совчиликка бормоқ*. *Совчилик қилмоқ*. ■ *Йигит кулимсираб олғач сўради: — Ўзимизнинг ишлар қалай? — Билмадим, дўстанми, душманданми, ҳайтовур олдин очилмай туради, совчиликка чиқмаган куним йўқ*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**СОВҚОТМОҚ** Баданидан совуқ ўтиб оғриқ сезмоқ, жунжимоқ. *У боёгина тўрвадаги болиғини кўтариб, қишлоқ йўлидан изғиринга юзма-юз келатганида, танаси бунчалик совқотмаган эди*. Х. Ғулум, Машъал.

**СОВҚОТТИРМОҚ** *совқотмоқ* *фл. орт. н.*

**СОВҒА** Қимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, тухфа. *Қимматли совға*. *Сафардан совға олиб келмоқ*. *Совға қилиб бермоқ*.

■ [Сифат буй:] *Мана, хамирининг учидан патир дегандай, бой поччам олтин билагузук совға қилдилар*. Ҳамза, Бой ила хизматчи. | *кўйма Қўпчилик учун тайёрланган ва тантанали равишда эгаларига топширилган нарса*. *Қурувчиларнинг ўқувчиларга совғаси — янги мактаб ишга туширилди*.

**СОВҒА-САЛОМ** Бирор кимсага аталадиган ёки олиб бориладиган совға ва саломлар. *Бугун узрли иш чиқиб қолди*. *Шаҳардан божамиз совға-салом билан келган эди, шунини кузатиш лозим бўлиб қолди*. А. Қаҳҳор, Мирзо. *Адолат кўннининг иккинчи ярмида қўқон арава устида совға-салом ортиб гузарга келди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СОВҒОТ** *эск. кт.* Совғалар, тухфалар.

**СОДА** [р] 1 Карбонат кислотанинг бир қатор натрийли тузлари номи. *Қаустик сода*. *Қир ювадиган сода*.

2 Шу тузларнинг медицинада ва кулинарияда ишлатиладиган бир тури, оқ порошак модда.

**СОДАЛИ** Таркибида сода бўлган, сода қўшилган, сода эритилган. *Содали сўз*.

**СОДА** [ф-т] 1 Тузилиши, таркиби жиҳатидан мураккаб бўлмаган; оддий. *Содда механизм*. *Химиявий содда моддалар*. *Содда гап грам.* айрим гапларга бўлинмайдиган гап. *Содда сўз грам.* биргина негизнинг ўзидан иборат сўз. *Содда кесим грам.* бир сўз орқали ифодаланган кесим. *Содда сон мат.* ўзидан бошқа сонларга бутун бўлинмайдиган сон. | *Ечилиши, тушунлиши осон, энгил, жўн*. *Содда масала*. ■ *Тешабойнинг ҳисоби содда: бирга — йн!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Атоқли халқ санъаткори ҳаётнинг энг чишил, мураккаб томонларини жонли тил билан, содда қилиб тушуштира оларди*. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ортиқча хашами, безаги йўқ, жуда ҳам оддий. *Содда уй*. ■ *Иккита содда, тахтаси бўялмаган оқ столнинг бирида колхоз сарқотиби Умарали, иккинчисиди ҳисоби Абдулқосим шуғуланмоқда*. А. Қодирий, Обид кетмон. || *Шу соддагина ясашидан сўнг иккинчи тоқчада тирғоқ турган кўзгу ёнига борди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ортиқча тақаллуф ёки қувлик-шумликни билмайдиган; оддий, камтар, соддадил. *Содда одам*. ■ *Унинг кўнгли очиқ, содда йигит эканини билиб, болалар бирин-бирин яқинлаша бошлайдилар*. Ойбек, Қутлуг қон. || *Ўзинини содда тут, ҳар нарсани гапираверма*. Ойдин, Ўзидан кўрсин. | *Гўл, лақма*. *Содда сири — тилида, писмиқ сақлар дилида*. Мақол. ■ *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Соддаларча қилинган, юзаки*. *Элмурод Тожибойнинг .. содда ва бегубор мулоҳазасидан завқланиб кулди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**СОДАДИЛ** [ф-т] Қувлик-шумликни билмайдиган, кўнгли очиқ, кўнгли тоза, софдил. *Соддадил йигит*. | *Содда, гўл*. *Қовун сайил мавсуми ва кўк-лам чоқларида бир талай соддадил ва нодон одамлар қўй, қўчқор, сизир ва бузоқ етаклаб.. шайхларга назр қиларди*. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**СОДАДИЛЛИК** 1 соддадил с. белги *оти*. *Соддадиллик қилиб фириб еди-ю, қаҳрамонлик қилиб ўзини оқлади*. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 Соддадил кишиларга хос иш; хатти-ҳаракат. *У [Гулнор].. ўзининг соддадиллиги, ишонувчанлигидан аччиқланди*. Ойбек, Қутлуг қон.

**СОДАЛАШМОҚ** 1 Тузилиши, таркиби жиҳатидан оддийроқ ҳолга келмоқ, соддароқ бўлмоқ. *Бошқарув аппарати содалашди*. *Тенгелама содалашди (мат.)*.

2 Муомаласи, юриш-туриши жиҳатидан оддийлашмоқ, оддийроқ, соддароқ бўлиб қолмоқ.

**СОДАЛАШТИРИЛМОҚ** *содалаштирмоқ* *фл. мавж. н.* *Механизм содалаштирилди*. *Тенгелама содалаштирилди (мат.)*.

**СОДАЛАШТИРМОҚ** *содалашмоқ* *фл. орт. н.* *Машинани содалаштирмоқ*. *Масалани содалаштирмоқ*. ■ *Айтмоқчи бўлганимни минг мартаба содалаштириб айтганимда ҳам тушуштира олмасман, деб қўрқаман*. А. Қаҳҳор, Сароб.

**СОДАЛИК** 1 содда с. белги *оти*. *Ўзининг содаллигини кўрсатмоқ*. *Ўзини содалликка солмоқ*. ■ *Сирожнинг гап ва ҳаракатларидан самимият, содаллик ёғилиб турарди*. Ф. Мусажонов, Ҳури. *Баъзан болаларнинг содаллигидан катталарнинг содаллиги ошиб тушади*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Гўл ёки соддадил кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Соддалик қилмоқ*. ■ — *Отини сўрамадингизми? — Уни қаранг-а, бу ҳам содалликда, сўрамабман*. Ойдин, Сўхбаги жонон.

**СОДИР** [а] 1: *содир бўлмоқ* воқе бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ. *Мирзо Анвардан .. номуссизона бир хиёнат содир бўлди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Содир (*эркаклар исми*).

**СОДИҚ** [а] 1 Сидқи дилдан берилган, садоқатли. *Содиқ дўст*. ■ — *Қлара Цеткин — отамиз Владимир Ильич Лениннинг содиқ сафдоши, ғамхўр кўмакчиси,— деди у [Жўрраҳон], сўзини яқунлаб*. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен ҳам улуғ Ватанга Содиқ бўлиб қоламан*. *Акамнинг мардлигидан Мен ҳам ўрناق оламан*. Уйғун.

2 Содиқ (*эркаклар исми*).

◆ *Субҳи содиқ* куёш чиқишидан сал олдинги тонг ёриши. *Барчин ёри ҳам бахмал ўтовда, субҳи содиқ туққан вақтда бир тўш кўрди*. «Алпомиш».

**СОДИҚЛИК** *содиқ* 1 с. белги *оти*. *Ватанга содиқлик*. *Дўстларнинг содиқлиги*. *Содиқлик кўрсатмоқ*. ■ *Адолат бу аҳил эр-хотиннинг ҳаётининг доим ҳавас қилар, уларнинг бир-бирига содиқлиги учун ҳурматлар, ўзининг ҳам ҳаёти ана шундай бўлишини орзу қиларди*. С. Зуннунова, Гулхан.

**СОЗ** 1 [ф-т] 1 Яхши, тузуқ, дуруст, қулай. *Оз сўз — соз сўз*. Мақол. *Оз бўлса ҳам, соз бўлсин!* Мақол. *Иш қўролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар*. Мақол. ■ *Наманган бораман, создир ҳавоси, Мевалари ширин, дарднинг давоси*. С. Абдулла. — *Қалай, хурсандмисиз? — Жуда соз*. *Дўстларнинг хурсандлиги — менинг хурсандлигим*. Ойбек, Қутлуг қон.

2 муз. Созланган, сози тўғрилган. *Дутор ҳали соз эмас*. | *Музыка асбоби торларининг ёки музыка асбобларининг ўзаро мос товуш уйғунлиги*. *Роялнинг сози бузилибди*. *Созини тўғриламақ*.

**СОЗ** II [ф-т] 1 Миллий музыка асбобларининг (мас. дутор, танбур, фижжак) умумий номи. *Қирқида қўлига соз олган қўяматда қўлогини бурар*. Мақол. ■ *Ҳовлининг бир чекка-*



сида супа бўлиб, унда созандалар саз чалмоқда ва куйламоқда эдилар. Айний, Эсдаликлар. Ерлар кўк гиллавлар билан безалганда .. биз ҳам тўй қилармиз, чимилдикда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Шундай музыка асбобининг ёки хонандаларнинг овози, садоси, навоси. Йўрғаларди созга бир гўзал дундиқ, Ҳамма эшитарди завқ билан қўшиқ. М. Алавия. Турфа гуллар ҳуснига .. шайдо бўлмоқ айб эмас. Япроқлар нозига, булбуллар созига Хумор бўлиш ҳам айб эмас. Э. Охупова, Ниқоб йиртилди.

3 *позт.* Поэтик ижод, иқтидор, илҳом рамзи; лира. *Навоий сози.*

**СОЗ III диал.** Қамиш, қамишзор. || **Соз силовсин** қамишзорда яшовчи силовсин, ёввойи мушук.

**СОЗАНДА** [ф-т] Миллий музыка асбобларидан бирида машқ қилувчи музикант; машқоқ, навозанда. *Хонанда ва созандалар.* — *Созандалар бир тўхтаб уфор чалишди.* А. Қахҳор, Қўшчинор. *Созандалар созни чертар кўл билан, Ёмон одам куйдиради тил билан.* «Алпомиш».

**СОЗЛАМОҚ I** Соз қилмоқ, тўғриламоқ, яхшиламоқ. *Бизга берадиган отларни яхшилаб боқиб, эгар-жабдуқларини созлаб қўясизлар.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

2 Музыка асбобларининг товушини ўзгартиришга мақсад қилувчи, уйғунлаштиришга, созини тўғриламоқ. *Гуландом дуторни олиб созларкан, деди: — Дутор бўлмаса, бу зиндонда юрагим ёрилиб ўлар эдим.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 *тех.* Ёирор технологик процесс ёки режимга мосламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ. *Станокни созламоқ.*

**СОЗЛАНМОҚ** *созламоқ* *фл. мажх. н.* *Созланган дутор.* — *Энди магнитофон вагилламасди, ўрнига тори созланмаган рубобнинг тинг-тинги.. эшитиларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**СОЗЛАТМОҚ** *созламоқ* *фл. орт. н.* *Пианинони созлатмоқ. Станокни созлатмоқ.*

**СОЗЛАШМОҚ** *созламоқ* *фл. бирг. н.*

**СОЗЛИК** *соз I с. белги оти.* *Машинанинг созлигини текширмоқ.*

**СОЗЛИК диал.** Қамиш босган ботқоқ ер; қамишзор. — У [Абу Диб] бизни созлиққа бошлаяпти. Афтидан у ботқоқнинг одам ўтса бўладиган ўйини биларди, — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**СОЗТУПРОҚ** *айн. соғтупроқ.*

**СОЗЧИ** *диал.* Созанда, машшоқ. — *Ясовулбоши ҳадидани ошиб кетди: тўйларни бузади, созчиларни уради, яқинда Шерозийни ҳам урибди, — деди Аваз. Ж. Шарипов, Хоразм. Холдор созчи қирқ йил чалган эди соз, Гўзал чертар эди танбур-дуторни.* Ойбек, Қамончи.

**СОЙ I** Икки адир ёки тоғ оралиги-

даги пастлик жой, сув йўли, водий. *Бой бойга боқар, сув сойга оқар.* Мақол. — *Ҳозир кўккам кунлари: қирлар, сойлар кўк-қизил,.. пушти, гўлос ва тагин алақданча рангли чечаклар билан устларини бежаб ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Шундай водийда оқадиган сув. *Сой суви. Сой бўйи. Сойда чўмилмоқ. Сойдан кечиб ўтмоқ. Чой тўкилиб сой бўлмас, юлдуз йўғилиб ой бўлмас.* Мақол. — *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар .. эди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

3 *махс.* Милитик стволи ичидаги бурама ариқча.

**СОЙЛИК** Икки адир оралигидаги пастлик, водий, сой. *Сойликлардан чўққига қадар Сўқмоқ йўллар узоқ чўзилмиш.* Х. Салоҳ.

**СОКИН** [а] I Сукунатга чўмган, жимжит. *Сокин тун.* || *Қишлоқ кўчалари сокин, ҳатто айловчилар ҳам кўринмайди.* Ғайратий, Латофат.

2 Осойишта, тинч. *Сокин уйқу.* || *Днепр соҳилларида изғирин ел эсар, азим дарё сокин оқарди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. | *Осойишталик, тинчлик ифодаловчи. Қорабайирнинг қорқора сокин кўзлари Лаълининг кўзларидан ҳам чиройлироқ эди.* Х. Ғулум, Машғал.

3 Ҳаракатсиз, тинч. *Оппоқ тун... Шовулар Фаргона сойи, Жим, сокин маъюсдир кўнглининг ойи.* Х. Расул. || *Сўқмоқ йўл бурилишида бир тўда қайин дарахтлари худди келинчакдек сокин турарди.* М. Мухамедов, Кичик гарнизон.

**СОКИНЛИК I** *сокин с. белги оти.* *Унинг кўзларида, юзида ва бутун ҳаракатларида сокинлик, жиддият ва куч яққол сезилиб турар эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Жимлик, жимжитлик, сукунат. *Қалъа Замон таеида турган уста Замон атрофга қулоқ солди.* Сокинлик. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**СОКИТ** [а] Сукут сақловчи, жимжит, сукутдаги. *Анорхон қарайган, сокит йўлга кўзларини жовдиратиб сокит тикилди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қатор шоирларнинг сокит оқшом ҳақидаги шеърларидан узук-юлуқ сатрларни ичимда ўқиб, чегарасиз бахмал осмонга термилиб ётибман.* Ғ. Ғулум, Ҳамидни эслаб.

**СОЛ I** Бир-бирига маташтирилиб сувда оқизилдиган ҳодалар. *Кемачилар узун ёғочларни .. сол билан оқизиб Гамакўприк ёнида қирғоққа чиқарардилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тахта-ёғочларни бир-бирига бириктириб ясалган сўзма кўприк У икки филнинг ўртасига сол ташлаб миниб юрар эди. «Нигор ва Замон». *Сирдарёда юрибди Сол ҳам қайиқ, ёр-ёр. Қишлоғингизда борми Бизга лойиқ, ёр-ёр.* М. Алавия.

**СОЛДАТ** [р] I Оддий аскар, жангчи. *Совет Армияси солдатлари.* — *Дар-*

*воза олдидан иккита солдат соқчиллик қилиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай бораётганини текширди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўйма* Курашчи, жангчи. *Ўғлигиз Раззоқ — иккилоб солдати.* Х. Ғулум, Машғал. *Меҳнат жабҳасида солдатман.* Ё. Мирза.

**СОЛДАТЛИК** *солдат с. мажх. от.* *Солдатлик бурчи. Солдатлик мундири. Солдатликка чақирилмоқ.*

**СОЛДАТЧА I** *сфм* Солдатлар учун белгиланган, солдатларга хос. *Солдатча этик.*

2 *рви* Солдатлардек, солдатларча. *Солдатча честь бермоқ.*

**СОЛДИ-ПИШДИ** *Тезлишар тарвуз номн.*

**СОЛДИРИЛМОҚ** *солдирмоқ* *фл. мажх. н.*

**СОЛДИРМОҚ** *солмоқ* I—14, 16 *фл. орт. н.* *Ошнинг гурунчини солдирмоқ. Тиш солдирмоқ. Уй солдирмоқ. Ерларга ўғит солдирмоқ. Урин солдирмоқ.* — *Бу кун кечқурун уйга қайтганда Холмирза ака қизига буюриб кўёвига исирқи соқдиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**СОЛИДОЛ** [р] Автомобиль, трактор деталларини ва бошқа механизмларнинг қисмларини мойлаш учун ишлатиладиган қуюқ мой.

**СОЛИМ** Улоқни маррага етказган кишига бериладиган соврин.

**СОЛИНМОҚ I** *солмоқ* I—14, 16, 17 *фл. мажх. н.* *Нарсалар чамадонга солинди. Оша туз солинди. Барча имкониятлар ишга солинди. Дарёга катта кўприк солинди. Узукка кўз солинди.* — *Дастурхон солиниб, чой келтирилди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада кичкина бир сариқ, бужур одам кўк пиллада чой йўллаб ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қутидор қафасга янги солинган қушдек урина бошлаган хотинини босмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Деҳқоннинг зенида синкага солинган хом сурп ятак.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Набиғулнинг акаси Қодирга попон машина билан гул солинган қора бахмал бир рўйжю кўрсатди.* А. Қахҳор, Қанотсиз читтак.

2 *Осилмоқ, осилиб* тушиб турмоқ. *Маъмуржоннинг ўсиқ қошлари солинди, гўё шу қошлар оғирлигидан кўзлар ерга қаради.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Ғулумжон .. шунча гуллар ичидан излаган гулини топмадими, — қўллари осилиб, боши солиниб чиқди гулзордан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СОЛИНТИРМОҚ** *солинмоқ* *фл. орт. н.* *Раъно сунгага оёқ солинтириб ўтириб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу вақт эшикдан бошини солинтириб Эргаш ямоқчи кириб келди. Ойдин, Ямоқчи кўчди.*

**СОЛИНЧАК** *Қулоқнинг сирға та-*

қиладиган пастки юмшоқ қисми; сир-ғалик.

**СОЛИСТ** [р <лат] 1 Ёлғиз бир овоз ёки якка саз учун ёзилган музика асарини ижро этувчи хонанда, созанда, яккахон ашулачи, якка созанда ёки ўйинчи.

2 Хор, оркестр ёки бошқа бирор ансамблда мустақил партия ижро этувчи артист. *Муҳиддин қори уни [Уста Олимни] ўз ансамблида солист-музикачи бўлиб ишлашга таклиф қилади. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**СОЛИСТКА** [р] Солист аёл.

**СОЛИШМОҚ** 1 солмоқ 1—16 *фл.* бирг. *н.* Пахталарни машинага солишиди. Қолхозчилар яхши-яхши уйлар солишибди. Болалар расм солишмоқда. — Хафа бўлмайсизлар, айланга қадрдонлар, тезроқ кирмасам, қурчоқларим ҳали замон дод солишади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Жанг қилмоқ, уришмоқ, муштлашмоқ. У [Асқар палов] қоида, усул ва тартибга риоя қилмасдан девдек солишарди. Ойбек, Куёш қораймас.

**СОЛИШТИРМА** Солиштиришга, қиёслашга асосланган, солиштириш, қиёслаш учун асос бўладиган; қиёсий. *Ҳайвонларнинг солиштирма анатомияси.*

◆ **Солиштирма оғирлик физ.** жисмларнинг бир куб сантиметр ҳажмдаги оғирлиги.

**СОЛИШТИРМОҚ** 1 солишмоқ 2 *фл.* орт. *н.* *Хўрозларни роса солиштирди.*

2 Қиёс қилмоқ, таққосламоқ. *Ўтган йилги натижаларни бу йилги натижалар билан солиштирмоқ. Қўл ёзманли солиштириб ўқимоқ. — Беихтиёр у [Низомжон] опаси билан Асрорани солиштира бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**СОЛИҚ** 1 I Маълум тартибда аҳолидан давлат фойдасига тўпланадиган пул, маблағ; налог. Маҳаллий солиқ. Даромад солиғи. Солиқ йўғмоқ. Солиқ тўламоқ. — Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфида ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг терисини шилса .. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор харажағни қоплаш, ёрдам кўрсатиш ёки бошқа бирор мақсадда ўзаро келишиб кўпчиликка сочилган тўлов, йўғим. Солиқ қилиб ёрдам кўрсатмоқ.

3 *эпн.* Олиқ-солиқдаги битимга мувофиқ, куёв томондан келин томонга берилиши лозим бўлган пул ва нарзалар.

**СОЛИҚ** II Куйи солинган, осилган, солиғлиқ. *Қовоғи солиқ одам. Ў Унинг қовоғи солиқ. — Ранги қув ўчиб, бехуш каби қотган .. Аҳмад Ҳусайн боши куйи солиқ эди. Ойбек, Нур қидириб.*

**СОЛИҚЧИ** Солиқ олувчи, йўғувчи, тўловчи. *Илгарилар бу ерга елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узоқдан кўриб* «со-

*лиқчи» дердилар ва бекинмишга жой ахтариб тирқираб кетардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**СОЛИҒЛИК** I Солиб, жойлаб қўйилган, солинган. *Қинга солиғлиқ ханжар.*

2 Куйилган, солинган. *Самоварда сув солиғлиқ турибди.*

3 Солинган, ёзилган, тўшалган. *Ўрин солиғлиқ. — Бу ёққа ўтиринг, — деди у, эрини палос солиғлиқ супага таклиф қилиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Солган, дастурхоним солиғлиғича қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 Солиб қўйилган, солинган, банд этилган. *Тузмалари солиғлиқ. Эшикка қулф солиғлиқ.*

5 *айн.* солиқ II. *Одилов .. Мавлоннинг кўнглини кўтаришга уринди. Мавлон аса, қовоғи солиғлиғича .. индамай ўтираверди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

**СОЛИХ** [а] I Кишига фақат яхшилик қиладиган, мўмин-қобил, яхши. *Фарзанди солих. Солих фарзанд. — Урғингизга ўқитиб дину диёнат йўлини, Солиху дуппа-дуруст Аҳли мусулмон қилман. Ҳамза.*

2 Солих (эркаklar исми).

**СОЛКАШ** [ф-т] Йил оша мева қиладиган. *Солкаш олма. — Жийда солкаш кўринади, бу йил мева қилмапти, — деди Шум бола. Ф. Ғулом, Шум бола.*

**СОЛЛАНМОҚ** Осилиб тушмоқ, осилмоқ, солинмоқ, эгилмоқ. *Қор босган дарахт шохлари солланиб ётибди. З. Дўстматов, Ёқут.*

**СОЛЛАНТИРМОҚ** солланмоқ *фл.* орт. *н.* *Элмурод .. бир сесканиб, қўларини ёнига соллантириб йўғиб олди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**СОЛМОҚ** 1 Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ. *Қонга ун солмоқ. Нарсаларни чамадонга солмоқ. Дастурмолини чўнтакка солмоқ. Пичоқни қинга солмоқ. Самоварга олов солмоқ. Милтиққа ўқ солмоқ. Юкларни аравага солмоқ. Зиндонга солмоқ. Оёқларини сувга солиб ўтирмоқ. — Қамбарали ака тугунни ечди, бир даста нуқул юз сўмлик пулни кўриб кайфи учиб кетди. — Қўйингизга солинг, солинг! — деди Мирҳомид пичирлаб. А. Қахҳор, Қўшчинор. Бозорбой яна бир хокандоз чўғ келтириб ўчоққа солди. П. Турсун, Ўқитувчи. Эртадан бўён Ермат бу кўчани дастакли супурги билан қиртишлайди, чуқурчаларига тўпроқ солиб тепкилайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Эркабой Мирзавев .. кўчага қараб .. ўтирган эди, биров бир сават шафтоли олиб ўтди. Ҳар шафтолики, камалакка солиб отсанг, деворни ағдаради. А. Қахҳор, Кўк конверт. Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда. А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. Ермат оғзига носвой солиб, жим бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Кумуш] .. қора атлас кўйлагини кийиб, бошига зангор шохни рўмолини солди. А. Қодирий, Ўтган*

кунлар. | Ўрнатмоқ, қўймоқ. *Узукка кўз солмоқ. Рамаларга ойна солмоқ. Тиш солмоқ. | Ўтирғизмоқ. [Хуморхон] .. Марасула ака, машинангизга солиб бир айлантириб келсангиз-чи! А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. | Меъёри билан кўшмоқ; қўймоқ. *Овқатга туз солмоқ. Ерга ўғит солмоқ. Самоварга сув солмоқ. Лампага керосин солмоқ. — Йўлчи эҳтиёт билан қумғонни олиб, бир чимдим чой солди. Ойбек, Қутлуғ қон. Лаълихон соат бешини мўлжаллаб ошнинг гурунчини солди. Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йитит. | Бермоқ, ташламоқ (молга бериладиган овқат ҳақида). *Оборинг, отхонага боғлаб, олдиға беда солдинг! М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ёлиштириб тикмоқ, уламоқ. Улоқ солмоқ. Ямоқ солмоқ.***

2 Тўшмоқ, ёзмоқ. *Ўрин солмоқ. Кўрпача солмоқ. Дастурхон солмоқ. — Алиохун ҳам кўрпача, ҳам чопони бўлган бир жулдурни жийда бутуқлари орасидан олиб, пичан устига солди ва оёқларини кенг ёйиб, қўлини ёстиқ қилиб чўзилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Кумушнинг ўрин ёзишга қўймай, ўзи пар тўшани олиб ерга солди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нима учун ҳоким йўлига поёндоз солмадинглар? М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Тўшмоқ, ётқизмоқ. *Йўлларга шағал солмоқ.**

3 Рўпара қилиб, қаратиб қўймоқ, тутмоқ. *Хатни чироққа солиб ўқимоқ. — Бўтабой атласни хотинидан сўраб олди, олдига солиб унинг у ёқ-бу ёғига қаради. А. Қахҳор, Қўшчинор. Низомиддинов ўзини ойнага солиб башарасини бужмайтирди. С. Аҳмад, Хукм. Муллавааччалар .. ўзларини офтобга солиб, қафасларидан учирилган қушдай йўрай бошладилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 Қуритиш, ачитиш, пишириш учун қўймоқ. *Майиз солмоқ. Қоқи солмоқ. Вино солмоқ. — Жаннат хола шошиб ун чалиб қўймоқ солди-да, болтани қўлига олиб тўқайга қараб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.*

5 Тўлов мажбуриятини юкламоқ, белгиламоқ. *Солиқ солмоқ. Штраф солмоқ. — Менга қолса, бу кунларда ўттиз икки танга эмас, ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

6 *кўчма* Бирор ҳолатга келтирмоқ, туширмоқ, қўймоқ ёки бирор ҳолат юзага келтирмоқ; гирифтор, дучор қилмоқ. *Ташвишга солмоқ. Ҳаяжонга солмоқ. Файратга солмоқ. Ларзага солмоқ. Юракка ғулғула солмоқ. Уртага совуқчилик солмоқ. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладур. Мақол. — Қамбағалчилик одамни не кунга солмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кумушнинг бу ҳол бечора онанинг юрагини азар, юз хил васвасаларга солар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор тартиб, йўналиш, ўлчов, вазият ва ш. к.га туширмоқ, келтирмоқ. *Ишни изга солмоқ.**

7 Бирор кимса ёки кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ, ҳавола қилмоқ. У киши мажлисга соланган иш бўлмай қолмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бир-бирига солмоқ** бир-бирига ҳавола қилмоқ, сансалорликка солмоқ. **Ўртага солмоқ** 1) кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ. *Алаббат! Умумий мажлис қиламиз, ўртага соламиз.* А. Қаҳҳор, Бек; 2) кўчма рўқач қилмоқ. Иккинчи марта эрга чиқишим ҳақида биринчи оғиз очган қайнонам бўлди. *Болаларимни ўртага солди.* Ҳ. Фулом, Машъал; 3) кўчма ўртада бахам кўрмоқ, умумлаштирмоқ. *Қапсанчилар Баҳрабодда солиқ батрак ва чоракордан ташкил топган бир колхоз борлигини, улар ер-сув, от-улов, асбоб-ускуналарини ўртага солиб, шериклиги деҳқончилик қилишларини эшитган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

8 Бирор нарса ёки кимсага йўналтирмоқ, қўймоқ. *Овга қуш солмоқ.* — *Отлиқ аскарларимиз душман устига от солдилар.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. — *Бўш бўлсангиз, Мингёриққа—қимизга борар эдик,— деди Али,— Тўла ака биларини яйлоққа солибдир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор ишга, ҳаракатга туширмоқ, йўлламоқ, ташламоқ. *Бутун кучларни жанга солмоқ.* — *Янги йилга ер экувиз қолса, колхоз ҳеч кимдан сўраб ўтирмадан қўш солиб юборади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ёллаб ишга туширмоқ. *Уста солмоқ.* — *[Бухгалтернинг хотини] ўзи ишлаганини-ишлаган, яна одам солиб берасан, деб ҳар кун хархаша қилгани ортиқча.* Қ. Мақсудов, Саодатли чаманда.

9 Арқон, занжир каби нарсалар уриб, ташлаб бадд этмоқ, боғламоқ. *Бўйнига сиртмоқ солмоқ.* *Оёқларига кишан солмоқ.* — *Эҳҳе, ҳали шундайми? Нури опангиз тушини сувга айтсин, занжир солиб судрасалар ҳам бошқа ёққа бормайман.* Ойбек, Қутлуг қон. (**Йўлига**) арқон солмоқ этн. арқон ташлаб узатилиб келинаётган келиннинг йўлини тўсмоқ. *«Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қий-қирғи, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бораркан, қайдандир болалар, ўспиринлар югуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар.* Ойбек, Қутлуг қон. | Қисмларини бир-бирига туширмоқ, ўрнига қўймоқ. *Машинага ип солмоқ.* *Қўйлакнинг тугмасини солиб олмақ.* — *Болалар тезгина эшикни ёпиб, орқасидан занжирни солиб қўйдилар.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

10 Барпо қилмоқ, қурмоқ, ясамоқ. *Уя солмоқ.* *Уй солмоқ.* — *Биз ўша вақтда [очлик йилда] муҳтож бўлган бева-бечораларни йиғиб, ош бериш мақсадида, бир бостирма солдик.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ҳозирламоқ, тайёрламоқ, қурмоқ. *Чилим солмоқ.* *Аргимчоқ солмоқ.* — *Дарвозадан ўн беш одимлар нарида.. дарвоза бекари гулхан*

*солиб, чилим чекиб ўтирардилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 Зарб билан урмоқ, туширмоқ. *Тарсаки солмоқ.* *Мушт солмоқ.* *Айлантириб солмоқ.* *Кулочкашиб солмоқ.* *Қулоқ чеккасига солиб қолмоқ.* — *Тешани қаттиқ солма,— деди Содиқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўтабой ака ерда ётган қўш тиг милтиқни олиб қўндоғи билан унинг калласига солмоқни бўлган эди,* Сафаров тугди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [**Жайноқ:**] *Нима учун қамади? [Содиқ:] Фёли шайтон тезлик қилиб, эллиқбошига калла солиб қўйдим.* Н. Сафаров, Уйғонини.

12 Чизмоқ, ишламоқ, ясамоқ (гул, нақш ва ш. к.ни). *Расм солмоқ.* — *Ўйноққина бир расом ўша вақтда қизил аскарлар кийган қалпоқнинг суратини ҳам солибди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

13 Осилтирмоқ, солиштирмоқ. *Бошини қуйи солмоқ.* *Эр йиғитнинг боши солагани — йўгани.* Мақол. — *Йўлчи лой йўлда оёқларини солиб ўтирган қатор ҳаммоллар ёнига сукулди.* Ойбек, Қутлуг қон.

14 Ечмоқ (кийимни). — *Қўйлак ечар!* — *деди Қумри турган қуйи ва кўйлагини ечиб ташлади.* — *Иштон солар!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. 15 **бот.** Тугмоқ. *Қовоқ бешта солибди.*

16 Қўшма отлар ва фразеологик бирликлар таркибига киради, мас. *асос солмоқ, бозорақ солмоқ, ваҳима солмоқ, гапга солмоқ, дам солмоқ, даҳшат солмоқ, дод солмоқ, назар солмоқ, оғиз солмоқ, эса солмоқ, юзига солмоқ, қорин солмоқ, қулоқ солмоқ.*

17 **-а/-й** ёки **(-н)б** аффиксли равишдош билан келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг батамом ёки рўйи-рост бажарилганлигини билдиради. *Бор гапни айтиб солмоқ.* — *Очил сўрагандан сўнг айма солган.* «Очилдов». *Низомжон чидамади.* *Юраида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқни бўлиб, қизни излаб яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

18 **-а/-й** аффиксли равишдош билан кўмакчи феъл вазифасида келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг дарҳол бажарилганлигини билдиради. *Бола тура солиб уйига қочди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Замон кела солиб у одамдан сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **-га** солмоқ ... қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини ухлаганга солмоқ.* *Ўзини билмасликка солмоқ.* — *Юрак бағри эзилган она буни кўрмаганликка солиб, .. ташқарида ивриган бўлди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **-дан олиб, -га солмоқ** ҳа деб, зўр бериб тақдорламоқ, қайта-қайта айтмоқ, атамоқ (тахқир, ҳақорат сўзлари ҳақида). *Бордию ишинг сал «эртага» қолганини билса, ... тўрадан олиб тўрага солади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мажлис тарқатгандан кейин Наимий Онахондан узр*

*сўради, ўзини недондан олиб нодонга солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**СОЛНОМА** [ф-т] 1 айн. йилнома. *Тарих солиномаси.*

2 эск. айн. календарь.

**СОЛО** [р<итал] муз. Якка созанда, хонанда, раққоса ижро этиши учун мўлжалланган асар ва унинг ижроси. *Скрипка солоси.* — *«Овозим яхши бўлгани учун мен унинг [Ҳамзанинг] «Ишчилар уйғон», «Яши шўро» қўшиқларининг солосини ижро этардим,— деди Файёзов.* Э. Зокиров, Хоразм санъатининг фаҳри.

**СОЛОР** [ф-т] эск. Саркарда, бошлиқ. **Сипоҳи солор** тар. лашкарбоши, аскарбоши.

**СОЛТОБ** [ф-т] диал. Ёши катта, анча ёшга бориб қолган, қартая бошлаган. *Ўрта яшар бўлайин деган каниздан қартайган кўчма солтоб канизлар паст тушиб, қалпоқ сотиб турибди.* «Равшан».

**СОЛЬ** [р<лат] Музика гаммасининг бешинчи товуши ва унинг нота белгиси.

**СОЛҚА** 1 Яхши тортилмаган, ўртаси осилиб тушган, солинган. *Солқа дор.* || *Солқа тортилган арқон.*

2 Осилиб тушган, лўмбиллаган ёки кerkкан. *Солқа лунж.*

**СОЛҚАЛАНМОҚ** айн. солқимоқ 1.

**СОЛҚИ** диал. Солқа.

**СОЛҚИМОҚ** 1 Бўшашиб осилиб тушмоқ, солинмоқ. *Дор солқибди.*

2 Осилиб тушмоқ ёки кerkмоқ. *Тўла юзининг солқиганини, ажинлари кўпайганини .. пайқамган экан.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гулноз унинг [Нозикнинг] солқиган қовоқларига қараб, ўйчан деди: .. жигарингиз, пухтароқ бўланг.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**СОЛҒИТ** диал. Солиқ, ўлпон. *Солғитлар жонга тедди! Хоннинг зулми ошди!* — *деган гаплар ҳавони қоплар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**СОМ** [а] Афсонавий Нух пайғамбарнинг уч ўғлидан бири, сомийларнинг бош аждоди.

**СОМБУСА** эск. кт. айн. сомса.

**SOME** [а someъ, 3-ш. бирл. someи] эск. кт. 1 Эшитувчи, тингловчи. *У гапирishi билан ҳаммани оғзига қаратиб олди, қизғин, эҳтиросли сўзлари сомеларга жуда қаттиқ таъсир қилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 **дин.** Қуръон ўқибган қори янглишганда ёки унутиб тўхтаб қолганда луқма солиб турувчи иккинчи қори. **someи қ. some.**

**СОМЕЛИК** some с. маъ. от. Қишлоқлар менинг қори эмаслигини, ёлғондан сомеликка ўтганимни пайқаб қолибдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**СОМИЙЛАР** Шимолий ва Шарқий Африкада ва Олд Осиёда яшаган (вавилонлар, ассирийлар, финикияликлар, қадимги яҳудийлар ва башқалар), шунингдек ҳозир яшаб турган (араб-

лар, суриялилар, яхудийлар, абиссинлар, айсорлар) халқлар.

**СОМИЙШУНОС** [a+ф+т] айн. семитолог.

**СОМИЙШУНОСЛИК** айн. семитология.

**СОМОН** -Буғдой, арпа, шоли янчилганда пояларнинг майдаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулот. *Майда сомон. Йирик сомон. Молларга сомон бермоқ. Сомон солиб лой қормоқ.*

— У, ярим ойдан бери пичан тайёрлаш, беда ўриш, сомон ҳозирлаш билан банд. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Зулм ила қон йиғлаган эл беомон тоқайгача. Қўчаларда сарғайиб, ранги сомон тоқайгача. С. Абдулла. **Сомон сувоқ** сомонли лой билан қилинган сувоқ.

◆ **Сомон йўли** астр. хава очик тунда оддий кўзга ёруғ йўл каби кўринадиган юлдузлар туркуми.

**СОМОНХОНА** Сомон сақланадиган жой, хона. Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстинининг сомонхонаси яши. Мақол. — Бу данғиллама бинонинг ичкари томони катта сарой бўлиб, унинг отхонаси, сомонхонаси ва узун кетган айвони бор. Ҳ. Шамс, Душман.

**СОМОНЧИ** Сомон келтириб ёки ёзда сомон босиб қишда сотувчи савдогар.

◆ **Сомончи йўли** айн. Сомон йўли қ. сомон. Осмони заминда арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб **Сомончи йўли** кўринди. С. Аҳмад, Уфқ.

**СОМСА** Ёйилган хамирга гўшт, қовоқ ва ш. к. солиб тугиб, одатда тандирга ёпиб пишириладиган овқат. *Гўшт сомса. Қовоқ сомса. Исмалоқ сомса. Сомса ёпмоқ.* — *Сут-қаймоққа йўғрилган жимжимадор патири кулчалар, ҳали совмаган тандир сомсалар.. ҳаммаси фаросат, дид билан қўйилган.* С. Анорбоев, Оксой.

**СОМСАПАЗ** Сомса пишириб сотувчи шахс. *Узоқда қатор чойхоналар, дўконлар кўринар, муйилишда ўчоқ устига мукка тушган сомсапаз оловни қовлаб тутун бурқитар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**СОМСАПАЗЛИК** I сомсапаз с. касб оти. *Сомсапазлик қилмоқ.*

2 тар. Бозорда сомсапазлар дўкони жойлашган раста.

**СОН** I I мат. Нарсаларнинг қанчалигини, саногини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган тушунча. *Бутун сонлар. Қаср сонлар. Сонлар нисбати. Сонлар назарияси. Ўзгарувчи миқдорнинг сон қиймати.*

2 с. т. Рақам.

3 Миқдор, санок; адад. *Мактабнинг очилишига икки ҳафта бўлмай, ўқувчиларнинг сони ўттиздан охиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Келаятган аёлларнинг сони йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Сон мингта** жуда ҳам кўп, неча-неча мингта. [Шарофат:] *Мен эрсираб келибманми? Эрсираган бўлсам бўйни*

*йўғон сон мингта.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Сони бор, салмоғи йўқ** қ. салмоқ.

4 Номер; тартиб номери. *Иккинчи сон ўрта мактаб.* — *Ўртоқлар, ..— деди у [Қумри] дадил.— Бугун газетамизнинг янги сони чиқди, йўқиб бераман.* Ҳ. Шамс, Душман.

5 грам. Предметларнинг сон-саногини билдирувчи сўз туркуми. *Санок сонлар. Тартиб сонлар. Чама сонлар.*

◆ **Сон кирди** (ёки тегди) дуруст бўлиб қолди, тузалди. *Унга ҳеч сон тегмайди.* — [Қўчқорнинг] *қўполликлари ҳам йўқолиб борапти. Қийим-бошига сон кириб қолди.* А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Топилган қиз. **Сонга қўшилмоқ** (ёки кирмоқ) ҳисобга, қаторга кирмоқ. *Барчин айтди: Болам.. яхши одам сонига қўшилиб, янги кўзимиз очилган вақтда бир шикаст топиб.. қайта бошдан бизни қоронғиликка солиб ўтирма!* «Ёдгор». **Сондан чиқмоқ** 1) хисобдан, қатордан, одамгарчиликдан чиқмоқ.— *Ҳа деб уйда ўтиравериш ҳам одамни сондан чиқаради.* — *деди кампир Санамга.* Ш. Холмирзаев, Тўқинлар; 2) яроқсиз ҳолга келмоқ. *Машина сондан чиқди.*

**СОН** II I Одам ва ҳайвон оғининг тизза билан тос ўртасидаги қисми. *Сони йўғон одам. Сон суюги. Сув унинг сонигача чиқди.* — *Бир босмачи Ботиралининг сонига пичоқ санчди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. [Кампир:] *Шундоқ деган бўлсам, ажаб қилибман, хўп қилибман!* — *деди икки қўлини сонига уриб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ҳайвонлар оғининг шу қисмидаги гўшти (овқатлик сифатида). *Жуман писмиқ қапада осиглик қўй сонини олди-да, Содиқ аминдан: — Барисини солаверайми? — деб сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СОНА** Ёввойи эркак ўрдак.

**СОНАТА** [р<итал] Умумий бадний ғоя билан бирлашган, бир-бирини тўлдирувчи турли тема ва характердаги бир неча (одатда 3—4) қисмдан иборат бўлган, икки ёки бир неча чолғу асбоби учун ёзилган музика асари.

**СОНАТИНА** [р<итал] Унча мураккаб бўлмаган кичик соната.

**СОНИЯ** [а] эск. айн. секунд I. *Иложсиз каби [Раъно] лабини иккинчи ҳароратли лабдан ажратолмай, бир неча сония кутиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**СОНЛИ** I Бирон сон ёки сонлар билан ифодаланган. *Сонли масхтаб. Қўп сонли механизаторлар отряди.*

2 Номери бор, номерли. *Бешинчи сонли ўрта мактаб.*

**СОН-САЛМОҚ** Сон ва салмоқ, миқдор ва оғирликлар мажмуи. *Сон-салмоғи йўқ.*

**СОН-САНОҚ** Сон, миқдор ва унинг саногини, ҳисоби. *Предметнинг сон-саногини билдирган сўз туркуми сон деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги». Қазува... борувчиларнинг сон-саногини

*йўқ, гўё бутун Хоразм кўчгандек эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**СОН-САНОҚСИЗ** Бехисоб кўп, сон-саногини йўқ, беадад. *Ҳаво очик, кўжда сон-саноксиз юлдузлар чарақлаган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. У [Юсуфжон ака] *сон-саноксиз кишиларнинг умрини узайтирган совет кишисидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Сон-саноксиз табрик келар бутун элдан,— Бахт пойтахтин кутлар халқлар оқиом, саҳар.* И. Муслим.

**СОНСИЗ** кам қўлл. айн. сон-саноксиз. *Сонсиз арилар ва баҳор қўнғизлари гуллар орасида учиб, ажаб мусиқа тарқатарди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кенг йўлларда оқиб келади Шаҳар томон сонсиз оломон.* Э. Раҳим.

**СОНСИЗ-САНОҚСИЗ** айн. сон-саноксиз.

**СОП** I Баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; тутқи, даста, банд. *Теша сопи. Қошиқнинг сопи. Ўғирнинг сопи. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. — *Бўронбек қамчининг сопи билан Ибодиланинг кўкрагидан итариб, Ойшабонунинг уйига кирди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

◆ **Кетмоннинг сопини ушламаган** дехқончилик ишидан хабари йўқ, умрида кетмон билан иш қилмаган, хом. *Ўзингиз айтингчи, ахир, бу елкаси офтоб кўрмаган сояпарварлар, кетмон сопини ушламаган номардлар колхозда нима қилиб беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Сопини ўзидан чиқармоқ** ёнидан сарф қилмай, бошқалар ҳисобига иш битирмоқ.— *Актага қўл қўйилиб, уйингизга етиб олунча ҳар қандай ис-писдан холи бўлиб қолади.* *Сопини ўзидан чиқарялман-да,— деди Одил Эгамбердўга.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

**СОП** II: **соп бўлмоқ** 1) батамом йўқ бўлмоқ, тугамоқ, тамом бўлмоқ. *Қалам соп бўлди. Гурунч соп бўлди.* — *Ҳа, бир алами бордирда.— Ё нос соп бўлдимикин? Хумори тутган бўлса керак.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма батамом ишдан, одамгарчиликдан чиқмоқ, адоий тамом бўлмоқ. *Ишқ дардида соп бўлмоқ. Ишдан урилиб соп бўлмоқ. Соп қилмоқ* 1) батамом йўқ қилмоқ, тугатмоқ, тамом қилмоқ. *Бу йил мева жуда кўп, еб соп қилиб бўлмайди;* 2) кўчма батамом ишдан, одамгарчиликдан чиқармоқ, адоий тамом қилмоқ. *Ташвиш уни соп қилибди.*

**СОПЛАМОҚ** I Соп ўрнатмоқ, даста қўймоқ, қилмоқ. *Пичоқ(ни) сопламоқ. Болта(ни) сопламоқ.*

**СОПЛАМОҚ** II с. т. Батамом кеткизмоқ, соп, тамом қилмоқ. *Бор пулни сопладим.*

**СОПЛАНМОҚ** I сопламоқ I *фл. мажж. н. Сопланмаган кетмон.*

**СОПЛАНМОҚ** II сопламоқ II *фл. мажж. н. Запаслар сопланди.*

**СОПЛАТМОҚ** I сопламоқ I *фл. орт. н. Тешани соплатмоқ.*

**СОПЛАТМОҚ** II сопламоқ II *фл. орт. н.*

**СОПЛИ** Сопга ўрнатилган, сопи бор. Дандон сопли пичоқ. Узун сопли эркак сунурги. — Назокат қалта сопли кетмон билан йўқ ариқ бошидан тушиб, ғўза тагини юмшата боилади. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**СОПОЛ** [ф-т] Лойдан ясаб махсус кўрада пиширилган, ясалган. Сопол товоқ. Сопол қуёур. Сопол тувак. — Учоқ томондаги ҳужранинг ярмини ис босган, тоқчаларда қовоқ ва сопол идишлар .. турарди. А. Мухтор, Туғилиш.

**СОПОЛАК** [ф-т] 1 Сопол парча. 2 Болаларнинг турли ўйинларида ишлатиладиган ясси сопол ёки тош. Сополак ташламоқ.

**СОПА-СОҒ** Ҳеч қандай касали йўқ, бутунлай соғ, соғлом. [Шербек] қўқорнинг олдига борди.. Қорини ушлади, қумалогини кўрди. Йўқ, соп-па-соғ. С. Анорбоев, Ўқсой. — Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўртоқ комиссар, — деди Великан кулимсираб, — сопла-соғман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СОПРАНО** [р<итал] муз. 1 Хотин-қизларнинг энг баланд овози. | Шундай овозга эга аёл.

2 Кўп овозли музика асариди биринчи, энг баланд овоз.

**СОПҚОН** Ичига тош солиб отиладиган қадимги содда қурол. Йигитлар дарахтларда, тоғ ўнгирларида туриб, сопқон отиб, ёни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпая берибди. Ойдин, Олтиш газ арқон. **Отилмаган сопқон ҳам бошга тегади, ҳам кетга (ёки куймучга)** уддасидан чиқа олмай қилинган иш кишининг ўзига зарар еткази, деган маънода ишлатиладиган мақол. — «Отилмаган сопқон ҳам бошга, ҳам куймучга тегар» деганларидек, қассоб гапни ўзи бошлаб қўйиб, пировардида ер ёрлса ерга киреудай бўлди, — деди Абдураул. П. Турсун, Ўқитувчи.

**СОР** [ф-т] Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич ҳайв; сариқсор.

**СОРТ** [р] 1 Молнинг, маҳсулотнинг сифати, қиймат жиҳатидан категорияси, нави; нав. Биринчи сорт пахта. Учинчи сорт газмол.

2 Хўжаликда муҳим аҳамиятга молик маданий ўсимликлар тури; нав. Пахтанинг янги сортларини етиштирмоқ.

**СОРТЛИ** 1 Юқори навли, сара. Сортли уруғлик.

2 Бирор сортга, навга мансуб бўлган. Юқори сортли маҳсулот. «Ф—108» сортли пахта.

**СОСТАВ** [р] 1 Мураккаб бутунликни ташкил этган таркибий қисмлар ёки предметлар мажмуи. Тилнинг луғат состави. Жамиятнинг синфий состави. — Республика составига кирган бу узоқ йўлга [Хоразмга] сиёсий-ташқилый ишларда тезда ёрдам бериш лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Химиявий бирикма таркибига кирган моддалар мажмуи; эритма, қоришма. Шишанинг состави. Ернинг состави.

2 Бирор коллектив ёки ташкилотни ташкил этувчи кишилар мажмуи. Партия бюросининг янги состави. — У янги составга энг кучли активистлар сайланиши кераклигини, олиндида мушкул ишлар, тузатилиши керак бўлган камчиликлар кўплигини айтди. П. Қодиров, Уч илди.

3 Вазифаси, хизмати, касби ва ш. к.га кўра битлашган кишилар группаси. Раҳбар ходимлар состави. Ўқитувчилар состави. Ўқувчилар состави.

4 т. й. Жўнашга тайёр қилинган ёки йўлдаги бир-бирига тиркалган вагонлар мажмуи. Юк вагонлари состави. Состав тузмоқ. Составни қабул қилиб олмақ. — Эшелон бошлигининг сигналидан кейин паровоз буғ чиқариб, чўзиқ гудок берди-да, катта қизил составни судраб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СОСТАВЛИ** Айрим қисмлардан, элементлардан таркиб топган; таркибли, мураккаб. Составли сўзлар.

**СОТИЛГАН** 1 сотилмоқ фл. сфтиди. Сотилаан мол қайтиб олинмайди.

2 кўчма нафр. Сотқин, хонн, мунофиқ. Сотилаган буржуа матбуоти. || — Менимча, Қобил сотилган, — деди бек. Х. Ғулум, Машғал.

**СОТИЛМОҚ** 1 сотмоқ фл. мажх. н. Одоб бозорда сотилмас. Мақол. — Бир томон чинифурушлик, бир томонда атторлар растаси. Бир томон эса ҳар хил ширинликлар ва бошқа моллар сотиладиган «гулбозор». Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма нафр. Ўз виждонини сотиб қарши томонга ўтмоқ, сотқилик, хонинлик қилмоқ. Гитлерчиларнинг ва уларга сотилган хонларнинг зулми тўғрисида сўзлаб, қўллари билан бошини сиқиб қарғарди. Ойбек, Куёш қораймас.

**СОТИШМОҚ** сотмоқ фл. бирг. н. Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди. И. Раҳим, Йхлос.

**СОТМОҚ** 1 Пулга айирбош қилмоқ, белгили келишилган пул эвазига бермоқ. Арзон сотмоқ. Қиммат сотмоқ. Пулга сотмоқ. Ўз нархига сотмоқ.

— Рўзимизни сотсак ҳам рўшнолик оламиз. Шунн билиб қўй. Х. Ғулум, Машғал. **Сотиб олмақ** 1) пулга алмаштириб олмақ, харид қилмоқ. Бизнинг Қаландар бой кўзда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди. М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) пул бериб ўз томонига ағдариб олмақ, оғдирмоқ. Камбарали акани сотиб олгани кўчингиз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан рахна солмоқ-чимсисизлар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 3) кўчма ўзига орттирмоқ, дардисар қилмоқ (жанжал, гап ва ш. к.ни). Ҳар кунн аҳвол шу. Қаерда машаат, кўп-кўп бўлса — шунки. Уриш-жанжални-ку, излаб юриб сотиб олади, даънати. Н. Фозилов, Оқим.

2 кўчма нафр. Нафс, пул учун ким-

сага янбатан зимдан сотқинлик, хонинлик қилмоқ. Дўстини сотмоқ.

◆ **Ган сотмоқ** қ. ган I 1. Сафсата сотмоқ қ. сафсата 2.

**СОТТИРИЛМОҚ** соттирмоқ фл. мажх. н.

**СОТТИРМОҚ** сотмоқ I фл. орт. н. **СОТУВЧИ** 1 сотмоқ фл. сфтиди. Олма сотувчи.

2 Магазинда савдо-сотик билан шуғулланувчи ходим.

**СОТУВЧИСИЗ**: сотувчисиз магазин сотувчиси бўлмаган, ҳар ким ўзинга ўзи хизмат қиладиган магазин.

**СОТҚИН** нафр. Ўз виждонини сотиб қарши томонга ўтган; сотилган, хонн. Сотқин одам. — Сотқин! Сени босмачи бўлар, деб ўйламаган эдим. С. Ахмад, Хукм. [Пўлат:] Кекирдагингизни чўзма, бекзода. Сотқин сизнинг ўзингиз! Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**СОТҚИНЛИК** сотқин с. мажх. от. **СОҒ** [а] 1 Бегубор, тоза, мусаффо.

Соғ ҳаво. Соғ сув. — Соғ, яшил бабиат юракларига куч бағишлади. Ойбек, Куёш қораймас. Ахмад махдум диққат билан.. ғуборсиз, соғ, кўм-кўк осмонга қарарди. Айний, Эсдалиқлар. Уфқларга оташ қалаб, Тонг отади соғ, нафис. Э. Воҳидов.

2 Бошқа нарса аралашмаган; асил, тоза. Соғ олтин. Соғ ҳалда учрамайдиган химиявий элементлар. — Бир грамм соғ радиий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайти шилдица тўғри келади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

3 Ўзга элементлардан холи; тоза. У [рус жувои] айвонга қараб келатган кишини таниб: — Э, Ғулумжон, келинг! — деди соғ ўзбек тилида. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Доғ тушмаган, ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холи; тоза, покиза, ҳалол. Соғ виждон. Соғ муҳаббат. Соғ меҳнат. Соғ кўнгли киши. — Гулнор.. соғ номусига отилган қорани бутунлай юзиб ташлашга жазм қилди. Ойбек, Қутлуг қон. Ғулумжонга ўша тузсиз сўзини айтиб, гавҳар каби тишиқ, соғ севгисини ерга уролмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Соғ фойда чиқим, харажат ва ш. к. чиқариб юборилгандан кейин қолган пул, даромад.

**СОФДИЛ** [а+ф-т] Кўнглида кири, гидри йўқ, дили, қалби пок, соғ, покиза, ҳалол. Софдил одам. — Софдил, камтар, билимдон дўст учун кўксингни оч, яхшилардан сўз очиб, энг яхши сўз дуррини соч. С. Абдулла.

**СОФДИЛЛИК** софдил с. белги оти. Сидиқжон, унинг юзида истеҳзоли бир табассум бор гумон қилиб, ер остидан қаради. Бироқ жуворнинг юзида самимият, софдилликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Очиқ чеҳра билан, софдиллик билан, осонгина жуда табиий қилиб айтил-

ган .. гап уни ҳалжонга солди. И. Рахим, Ихлос.

**СОФИЗМ** [р < грек] Юзаки қараганда тўғри бўлиб кўринса ҳам, аслида нотўғри, сохта ҳулоса, натижа. Сайлов кампанияси процессида партияни қайтадай тиклаш ва тузиш элементлари вужудга келади ёки бу элементлар жипслашади, деган ва ҳоказо шунга ўхшаш мулоҳазалар тез-тез учраб туради ва бу сафсатадан, софизмдан ва энг ёмон хилдаги софизмдан иборат. В. И. Ленин, Қартагизни очиб ташланган.

**СОФИР** [а] эск. ай. элчи.

**СОФКҮНГИЛ** ай. софдил. Софкўнгиладан.

**СОФКҮНГИЛЛИК** софкўнгиладан с. белги оти. Софкўнгиллилик билан муваффақият тиламоқ.

**СОФЛАМОҚ** 1 Бегона ёки зарарли нарсалардан тозалаб соф ҳолга келтирмоқ; покиза, мусаффо қилмоқ. Ҳавони софламоқ. Сувни софламоқ.

2 махс. Аралашмалардан тозалаб маълум талаблар даражасига етказмоқ. Ёғни софламоқ.

**СОФЛАНМОҚ** софламоқ фл. мажҳ. н. Софланган сув. Софланган ёғ.

**СОФЛИК** 1 соф с. белги оти. Сувнинг софлиги. Муҳаббатнинг софлиги. Дилнинг софлиги. — Эсабган шамол уларнинг [тракторларнинг] тутунларини суриб ҳавонинг софлигини сақламоқда эди. Айний, Қуллар.

2 Ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холилик; поклик, халоллик. Бойназар ака ҳар соҳада ҳалоллик, софлик бўлишини яхши кўради. Ш. Шокиров, Бойназарнинг байроғи.

**СОХТ** [ф-т] Ташқи кўриниш, қиёфа. Салла, оқ тўнлар, кўруб сохтимни инкор айламанг, Бўлмасам ҳамким асл девона, қал девонаман. Муқимий. Ҳамма вақт — яхши кўринадиган қоровул шу тобда унинг [Элмуроднинг] назарида жуда сохти совуқ одамга ўхшаб кетди. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**СОХТА** [ф-т] 1 Қалбакилик мақсадида аслига ўхшатиб ишланган, ясалган; ясама, қалбаки. Сохта пул. Сохта имзо. Сохта ҳужжат. | Қимсанинг номидан уйдирилган, ёлғон. Сохта хат. — Мен билан Отабекни қаматиб дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Етарли асосга эга бўлмаган, асосиз, пуч. Сохта даъво. Сохта назария. — [Фотима:] Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб бу хилда қилиш яхши эмас. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. | Ёлғондакам, таги пуч, юзаки. Сохта обрў.

3 Самимиятсизлик билан шунчаки қилинган, носамимий, юзаки, ясама, бўяма. Сохта кули. Сохта мулоимлик. — Асрорқулнинг кўз атрофи қизариб, юзида сохта табассум акс этди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**СОХТАГАР** [ф-т] ай. сохтакор.

**СОХТАКОР** [ф-т] Қалбакилик, алдамчилик билан иш тутувчи. Энди турмушга кўр кўз билан қарама, қизим. Магазинчи йиғитнинг сохтакорроқ кўринади, эҳтиёт бўл. А. Муҳиддин, Кувёв қочди.

**СОХТАКОРЛИК** сохтакор с. белги оти. Сохтакорлик қилмоқ.

**СОХТАЛАШМОҚ** 1 Самимийликни йўқотиб, ёлғондакам, сохта, ясама тус олиб бормоқ, юзакилашмоқ. Сохталашган мулоимлик.

2 Ҳақиқатдан йироқлашмоқ. Сохталашган маълумотлар.

**СОХТАЛАШТИРИЛМОҚ** сохталаштирмоқ фл. мажҳ. н.

**СОХТАЛАШТИРМОҚ** Ҳақиқатдан йироқлаштирмоқ, бузиб кўрсатмоқ. Тарихни сохталаштирмоқ. — [Рафиқ:] Гаффор қўрбоши тўғрисида келганда ҳақиқатни сохталаштирдингиз. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Шундоқ ҳам кўзликкина қизга пардоз-андоз ҳам ортиқчалик қиларкан. Кайтсага хуссини сохталаштириб турарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**СОХТАЛАШТИРУВЧИ** 1 сохталаштирмоқ фл. ш. оти.

2 Бузиб кўрсатувчи; фальсификатор. Тарихни сохталаштирувчилар.

**СОХТАЛИК** 1 сохта с. белги оти. Ҳужжатнинг сохталлиги. — Самандаров .. Тўлаган акага қаради-да, сохталлиги билиниб турган мулоимлик билан: — Ҳўи, Тўлаган ака, нега? — деб сўради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Сохта иш, хагги-ҳаракат. Гоҳо ахлоқ табиатида бегона қилликлар ҳам учраб қолади. Буларни сохталлик ё рикорорлик деб аташ мумкин. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**СОХТ-СУМБАТ** Ташқи кўриниш, қиёфа; қад-қомат. Сохт-сумбати келишган йиғит. — Афанди Семизнинг сохт-сумбатида қараб туриб: — Ун беш кундан кейин ўласан, дори ҳайф кетади,— деди. «Лағифалар».

**СОЦИАЛ** [р социальный] 1 Кишилик жамиятга, унинг ҳаёти ва қонуниятларига оид; ижтимоий. Социал тузум. Социал тараққиёт. | Жамиятнинг синфларга, табақаларга, гуруҳларга бўлиниши билан боғлиқ бўлган ва шу сабабдан юзага келадиган. Социал тенгсизлик. Жамиятнинг социал состави. — Студентлар .. лекцияларнинг мағзини қақиб, социал баҳо берадиган бўлишлари ҳам керак. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришга қаратилган. Социал революция.

◆ Социал страхование қ. страхование. Социал таъминот қ. таъминот. **СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТ** [р] Социал-демократия тарафдори; социал-демократлар партиясининг аъзоси (қ. социал-демократия 1).

**СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЗМ** [р] Социал-демократиянинг идеологияси ва тактикаси.

**СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК** [р социал-демократический] Социал-демократия ва социал-демократга оид. Социал-демократик партия. Социал-демократик қарашлар.

**СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ** [р] 1 Халқаро ишчилар ҳаракатида: дастлаб капиталистик тузумга қарши курашиш мақсадида юзага келган, лекин кейинчалик оппортунизм йўлига ўтиб, революцион ҳаракатга қарши курашда капитализмнинг асосий таянчига айланиб кетган сиёсий оқим.

2 19 асрнинг охири чорагида пайдо бўлган социалистик партияларнинг умумий номи.

**СОЦИАЛИЗАЦИЯ** [р] Саноат, ишлаб чиқариш воситалари ва ш. к.ни жамият мулкига айлантириш. Капитални социализация қилмай туриб, ерни «социализация» қилиш тўғрисидаги фикр, капитал ва тодар ҳўжжалиги мавжуд бўлганда ердан бир текисда фойдаланишни жорий қилиш мумкинлиги тўғрисидаги фикр хато фикрдир. В. И. Ленин, Пролетариат ва деҳқонлар.

**СОЦИАЛИЗМ** [р < фр] 1 Пролетар революциясининг ғалаба қилиши, пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши натижасида вужудга келган ижтимоий ва давлат тузуми. Коммунистик жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилиги принципига ва «хар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципига асосланган қўйи боққичи. Партиянинг асосий вазифалари социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўли билан коммунистик жамият қуришдан иборат. «КПСС Устави».

2 Социалистик жамият қуриш ҳақидаги таълимот. Илмий социализм. Утопик социализм.

**СОЦИАЛ-ИМПЕРИАЛИЗМ** [р] Оппортунизмнинг бир тури — социал-демократларнинг ўз мамлакатларидаги капиталистик ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсати. Троцкий билан Мартовнинг субъектив «яхши» ниятлари ҳар қандай бўлса-да, объектив ҳижратдан улар ўзларининг оғмачиликлари орқасида рус социал-империализмига мадад берадилар. В. И. Ленин, Миллий сиёсат ва пролетар интернационалиزمни масалалари.

**СОЦИАЛ-ИМПЕРИАЛИСТ** [р] Социал-империализм сиёсатини юритувчи, тарқатувчи.

**СОЦИАЛИСТ** [р] 1 Социализм тарафдори (қ. социализм 2).

2 Социалистик партия аъзоси.

**СОЦИАЛИСТИК** [р социалистический] 1 Социализмга оид (қ. социализм 1). Социалистик система. Социалистик революция.

2 Социализм принциплари асосланган. Социалистик тузум. — Узбекистон совет социалистик республикаси ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатидир. «ЎзССР Конститу-



цияси». | Социализмга хос бўлган. *Социалистик индустрия. Социалистик маданият.*

3 Социализм идеялари билан суғорилган, социализм принципларига жавоб берадиган. *Социалистик онг.*

4 Социал-демократияга оид. *Социалистик партия.*

**СОЦИАЛИСТ-РЕВОЛЮЦИОНЕР** [р] Россияда 1902 йилда народниклар қолдигидан ташкил топган, марксизмга душман контрреволюционий майда буржуа партиянинг аъзоси. *Социал-демократлар социалист-революционерларни биздаги буржуа демократиянинг энг сўл фракцияларидир деб биладилар.* В. И. Ленин, Народникликдан марксизмга.

**СОЦИАЛ-МУРОСАЧИ** айн. муросачи 1.

**СОЦИАЛ-ПАЦИФИЗМ** [р] Социал-демократик партияларнинг пацифизм байроғи остида ўз мамлакатигадики империалистик ҳукуматнинг сиёсатини қўллашдан иборат тактикаси.

**СОЦИАЛ-ПАЦИФИСТ** [р] Социал-пацифизм сиёсатини қўловчи, шу сиёсатни амалга оширувчи.

**СОЦИАЛ-ШОВИНИЗМ** [р] Биринчи жаҳон уруши (1914—1918) даврида халқаро ишчилар ҳаракатида юзага келган ва империалистик урушда ўз буржуа ватанини химоя қилиш идеясини олдинга сурган оппортунистик оқим.

**СОЦИАЛ-ШОВИНИСТ** [р] Социал-шовинизм сиёсатини юритувчи, шу сиёсатни амалга оширувчи. *Амалда социал-шовинистлар пролетарларга қарши буржуа сиёсатини олиб бордилар.* В. И. Ленин, Социализм ва уруш.

**СОЦИОЛОГ** [р] Социология билан шуғулланувчи олим.

**СОЦИОЛОГИК** [р социологический] Социологияга оид. *Социологик тадқиқот.*

**СОЦИОЛОГИЯ** [р <фр+грек] Жамият ҳақидаги таълимот. *Буржуа социологияси.*

**СОЦСТРАХ** [р], социал страхование қ. страхование.

**СОЧ I I** Бошда ўсадиган қил толалар қопламаси ва уларнинг ҳар бири. *Сийрак соч. Қуюқ соч. Бошида битта ҳам соч йўқ. Соч олдирмоқ.* — Силкиниш орқасида унинг [қизнинг] юзини тўзтиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор тарзда ўстирилган ва тартибга солинган шундай толалар мажмуи. *Уртадан фарқ очиб қўйилган соч. Қалта қилиб қирқилган соч. Урилган соч.* — Учиб ўтган қалдирғоч, Ишқимга қилгин илож, Интизордир чилвир соч, Етказил саломимни. Е. Мирза. У [Қумуш] бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб, сочларини ечди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ун саккиз ёшлардаги, оқсарик, иккита йўғон соч ўрими кифт-

ларига тушган қиз, шахдам-шахдам қадам босиб келиб, болаларга қўшилди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *Кўйма Тола, нур сингари нарса-лар хақида. Қорли тоғлар орқасидан Атлас сочин тараб қуёш, Гоҳ мўралаб ййнашар қош, Ханда сочар дудодиган.* Ғайратий. **Чилвир соч** 1) майда ўрилган соч; 2) шундай сочли аёл.

◆ «да соч оқарган бирор ишда узоқ йиллар ишлаган, умрини шу ишга сарф қилган. Қолхоз ишида сочи оқарган миришкор деҳқон. — Биз меҳнатда топдик бахтимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли! Е. Мирза. **Тепа сочи тикка турди** (ёки бўлди) қ. тепа. **Сочини ёймоқ** бошига мусибат тушиб ёки доғда қолиб оқ-воҳ қилмоқ, мотам тутмоқ. *Биз ҳам бир иш кўрсатайликки, Ширин деганлар сочини ёйиб қолсин.* Ойдин, Фарходлар. **Сочини юлмоқ** (ёки юлиб йиғламоқ) дод солмоқ, дод-фарёд қилмоқ. *Бу гапнинг учи чиқарилса хотинлар сочини юлади, хотинларгина эмас, кўпгина эркаклар ҳам тезда рози бўла қолмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Сочини супурги қилмоқ** чўрилардек бутун хизматини қилмоқ.

**СОЧ II** Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб кичкина сайроқи қуш; майнанинг бир тури.

**СОЧБОҒ** Ёши улғайган аёллар сочига осиб юрадиган безакдор танга ва ш. к. юкли, одатда, қора шойидан қилинган боғич.

**СОЧИЛМА** Сочилиб ётадиган, сочилган. *Сочилма қум.*

**СОЧИЛМОҚ I** сочмоқ *фл. мажх. н.* Бу йил уруғ барвақт сочилди. Ерларга ёйнг сочилди.

2 *сочмоқ I—4 фл. ўзл. н.* **Фикр сочилди.** — Боғларда гуллар очилган, ҳидлари ҳар ён сочилиан. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўришмат** ғазабдан ўзини босолмай, лаблари пирпирар, соғ кўзидан заҳар сочиларди. Х. Гулом, Машъал.

**СОЧИЛУВЧАН** физ. Сочилган; тўкилувчан. *Сочилуван модда.*

**СОЧИЛУВЧАНЛИК** сочилувчан с. белги оти. *Модданинг сочилувчанлиги.*

**СОЧИСУНБУЎ I** айн. болтирик.

**СОЧИШМОҚ** сочмоқ 1, 2, 5 *фл.* бирг. н.

**СОЧИҚ I I** Сочиб ташланган, сочилиб ётган. *Олимжон боғ кўчадан Борар эди қишлоққа. Кўзи тушиди беш, ўн чоғ Йўлда сочиқ ёнғоққа.* Қ. Муҳаммадий.

2 *айн. чочик II* 2. *Қуёв бошидан мўл-мўл сочиқлар сочилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СОЧИҚ II** Юз-қўл ёки идиш-товоқ артиш учун ишлатиладиган мата буюм. *Қўл сочиқ. Қозон сочиқ.* — **Анвар сув қуйиб турди, Рағно юзини ювди.** **Анвар қозқдан сочиқ келтириб берди, Рағно артинди.** А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Элмурод] коридорда қизаргунча ювинди, *ҳўл сочиқ билан кўкрак.*

*бўйни ва агринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тепдирди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**СОЧИҚЛИК** Сочибоп нарса. *Бир сочиқлик газмол.*

**СОЧМА I** қ. х. Сочиб, сеппиб экиладиган; сепма. *Сочма эқин. Сочма қилиб экмол.*

2 *от Питра. Сочма ўқ питра. Лушман Исмоиловни жуда яқиндан туриб, сочма ўқ билан ўтган!* Х. Гулом, Машъал. | **Питрали ўқ билан отадиган** милтиқ. *Ботирали сочманинг тепкисини босиб, ҳар иккала қирғовулни қултди.* Х. Гулом, Машъал. || **Тўқсоннинг мерганлик ҳаваси қўзиб, дарроқ Даббойнинг елкасидан сочма милтиқни олди-да, типирчиллаётган итни бир отишда тамом қилди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *эск. айн. проза. Сочма шеър оқ шеър, қофисиз шеър.*

4 *эол. Нураган тоғ жинслари тўпланган жой.*

**СОЧМОҚ I** айн. сепмоқ 1, 2. *Уруғ сочмоқ. Йўлларга қум сочмоқ. Ҳовлига сув сочмоқ. Арпа сочсанг, арпа ўрғансан. Мақол. Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрғансан.* Мақол.

2 *Ҳар ён-ҳар ёнга тарқатиб ташламоқ, паршон қилмоқ. Бошидан гул сочмоқ.* — *Йўлчи расталарни айланди .. Уруш ҳамманинг тинкасини қуритган, қурсоғини бўшатган бўлса, уларнинг [бойларнинг] бошидан зар сочиб, қурсоқларини қаппайтирган..* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Кўйма Тарқатиб юбормоқ, қочирмоқ. Фикрни сочмоқ.* — *Нормат унинг ҳаёлини сочиб юбормаслик учун ўз ўрнига қўзилади-да, анча вақт ўй суриб, ниҳоят ухлаб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *Таратмоқ, ёймоқ. Гуллар ҳидини сочар.* — *Ой шарқ осмонига энди кўтарилиб, илк нурларини соча бошлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. У [Рустам].. *Эрон шоҳи ва унинг қора ниятлари тўғрисида гапирар экан, ғазабдан нафаси тиқилиб, кўзлари ўт сочар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

4 *физ. Тарқатмоқ, ёймоқ. Нур сочмоқ. Турли муҳитлар нурни турлича сочади.*

5 *Бирор ўлчовда, меъёрда тақсимлаб тарқатмоқ, солмоқ. Харажатни ҳаммага баравар сочмоқ.*

◆ **Заҳрини сочмоқ** қ. заҳар.

**СОЧОҚ I I** айн. сачоқ.

2 *Сигир, от, эшак думининг учиди попуғи.*

**СОЧОҚ II** *диал. айн. сочиқ II.*

**СОЧОҚЛИ I** айн. сачоқли.

2 *Учида попуғи бўлган. Сигир унга жавобан сочоқли думини ҳавода йўнатган эди, учи шилт этиб Тошхоннинг юзига тегди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

**СОЧПОПУК I** Аёлларнинг сочига тақиладиган қора ип ёки ипақлардан тузилган попуссимон безак буюми. У [Назокат] *сочпопуғига осилтирган*

чўлисини жириглашиб юрар, иккала қошни тутатириб қалин ўсма кўяр, ҳатто устахонада ҳам кўп вақтини ўсма тортини билан ўтказар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**2 айн. баргак II 2.** Иккинчи столда ўтирган .. болалардан бири олдинги қаторда ўтирган бир қизнинг сочига қўшиб ўрган тол сочпопуғидан тортиб, «вой-вой»латди. Х. Ғуллом, Машғал.

**СОЧТАРОШ** кам қўлл. айн. сар-тарош.

**СОЧТИРМОҚ** сочмоқ 1, 2, 5 фл. орт. н. Бугдой сочтирмоқ.

**СОЧҚИ** диал. айн. чочик II 2. Ла-тофат шида кезларида қўшни болаларини чақириб, аллақайси тўйдан тўққиз-тўққизданми, сочқиданми олиб келган жийда-майизни бериб, яна ўқити. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СОҶОЗ** [р] Ижтимоий бирлашма, жамоат ташкилоти. Қасабалар союзи. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи. Ёзувчилар союзи.

**СОЯ** [р-⟨янонча] Дуккакларил оила-сига мансуб, ловияга ўхшаш бир йил-лик ўсимлик ва унинг озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган дони. Соя уни.

**СОЯ** [ф-т] 1 Қуёш нури тушмайди-ган салқин жой; кўланка. Сояда дам олмоқ. Енгоқ бутун ҳовлини соя қилиб турибди. Сада соя берад, тол хода берад. Мақол. — Нимаси кўп Тошкентнинг Суви, сойи, сояси. Тошкентга ихлосманднинг Тугамас ҳикояси. Шайх-зода. Ит ақилмайди, қушлар сайрамайди. Улар ўзларини сояга олиб мудрашади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ёруғликни, нурни тўсувчи нарсалардан тушган тасвир, кўланка. Эрининг сояси ҳам эгри. Мақол. — Қуёш тик кўтарилиб дорахтларнинг сояси қисқарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Кўп ўтмади орадан Соини ёқалаб Икки соя кўринди Аста йўл қараб. Ғайратий. Соя қайтди кун ярмидан оғди, кечга қараб кетди. Кечки пайт соя қайтганда Анзираг хола унга [Сидиқжонга] даричанинг олдидаги су-пага жой қилиб берди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Соя солмоқ (ёки ташламоқ) 1) соя бермоқ, соя ҳосил қилмоқ, соя қилиб турмоқ. Шипга осигилқ қирқинчи чироқнинг қалпоги уй деворларининг тепа ёғига чўзиқ соя солган. Х. Ғуллом, Машғал. Беш тўп қатта жийда дорахти бу ерга ҳар вақт қалин соя ташлар .. эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўйма ғашлик солмоқ, хира қилмоқ. — Шу поездда Мухаррам жўна-гандек бўлди-ю, паровоз ўтхонасидан чиққан қора тутундек бир нарса кўнглимга соя солиб ўтди, — деди Элмурод. Шухрат, Шинелли йиллар. — Қумуши менга тик қаролмас, юзларига хижолат соя солган эди, — деди Қамолддин. Т. Жалолов, Олтин қафас. Моҳидил Маҳмуданинг .. оилавий ҳаёти тўғрисида сўрай бошлаши билан ички бир асабийлик аломатлари юзага

чиқиб, чеҳрасига андак соя ташлаб ўтди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**2 кўйма** Шарпа, кўланка. — Тўғри, паранжи йўқолди-ю, лекин унинг қора сояси ҳали тамом бўлгани йўқ, — деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар. [Қудрат:] Урушнинг шум сояси бу ерга ҳам етибди. Н. Сафаров, Уйғонич. [Шумилов:] Йўқ, сиз Туркистонда подшонинг сояси эдингиз. Ҳазир ҳам. Н. Сафаров, Шарқ тонги. | Асар, белги. Ҳокимнинг юзида жилмайиш сояси кўринди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чол юзидаги мамнуният нури бир онда сўниб, ўрнини хавотирлик сояси қоплади. А. Муқимов, Ҳашарот.

**3 кўйма** Хомийлик, паноҳ. Маъқул, маъқул, бой ота, сояи давлатингиз кам бўламсин. Ойбек, Қутлуғ қон. — Биздан Тўрахўжаевга кўйдан-кўп дуо денг, тақсир! Биз бу ерларда ўша одамларни соя қилиб юрибмиз, — деди Мадамин. П. Турсун, Ўқитувчи.

**4 3-ш. эгалли** ва ў.п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. соясиди).

◆ **Сояси юпка 1)** нозик, нимжон, заиф; 2) гап кўтара олмайдиган, таъби нозик. [Гулчеҳра:] Келин पोшианинг сояси жуда юпка, тил текизманлар унга. Ойбек, Улуғ йўл. **Офтобни сояга етказмай (ёки келтирмай)** бир зум ҳам кечдирмай, дарҳол. [Холмат:] Тасадуғингиз кетай. Дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жала-лод, .. кимнинг ажали етса, пойқа-дамингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келтирмайиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Соясига кўрпача солмоқ (ёки салом бермоқ) 1)** жуда ҳам ҳурмат қилмоқ, хурматини жойига келтирмоқ. — Қўрқиндизми? — дейди Абдужалил тегирмончи ўз даъвосига асос солиб, — қишлоқ халқи бизнинг соямизга салом беради. А. Қодирӣ, Обид кетмон; 2) ҳушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмоқ. **Тожиддин Қосим шундай расилларданки, мулкдорлар ва юқори амалдорларнинг соясига салом беради.** Ойбек, Нур қидириб. **Сояда қолдирмоқ** ўз устулига билан кимсани панада, орқада қолдирмоқ. **Йиллар ўтган сари Ислохоннинг таърифи кўп устааларни сояда қолдириб кетди.** М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси. **Сояда қолмоқ** панада қолмоқ, кўзга кўринмай, четда қолиб кетмоқ. **Ўз соясидан кўрқмоқ (ёки чўчимоқ, ҳадиксирамоқ, хурқмоқ)** ҳар нарсадан кўрқмоқ, жуда ҳам кўрқоқ бўлмоқ. **Кўрқоқ от соясидан хурқар.** Мақол. — Яхши эмас, Фармонқул ака, нега кўнға ўхшаш ўз соянгиздан ҳадиксирайдиган бўлиб қолдингиз? С. Махкамов, Шогирд.

**СОЯБОН** [ф-т] 1 айн. зонтик. Шойи соябон. Соябон тутмоқ. — Бўронбек чарм шапкали бошини соябон тағига яширди. Х. Ғуллом, Машғал. Қизнинг сочлари сув бетида худди қора соябондек доира ҳосил қилган эди. С. Аҳмад, Уфқ.

**2 с. т.** Шяпа, шапка ва ш. к.нинг соя берувчи қисми. Шанканинг соя-бони. — Рўпарасида шяпаннинг кенг соябони тағидан Хуморхоннинг кўз-лари ёниб турарди. А. Мухтор, Тўғрилиш. **Кўлини (ёки кафтини) соябон қилмоқ** кўлини (кафтини) пешанасига қўйиб кўзларини қуёшдан панала-моқ. Бир зум улар мен томонга қўл-ларини соябон қилиб тикилишиб, бир-дан чувиллаб кетишиди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**3 Умуман қуёш нуридан ёки ёмғирдан сақловчи ҳар қандай қурилма, пана. Автобус станцияларига соябонлар қурилмоқда. || Соябон арава.** — Ҳозир бинонинг деразалари ланг очиб, ҳар биттасининг тепасига чодир тикиб соябон қилиб қўйилипти. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Хотинлар аравага чиқиб жойлашганларидан кейин, соябоннинг олдинги пардаси бир четидан хиёл очилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Олдига парда тутилган нақилли соябон аравада эшон аяни эъфатларга олиб борди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**4 кўйма** Паноҳ, хомийлик, хайрихоҳлик. Қон йиғлайсиз бу кун оним меҳрибон, Отам экан ҳаммамизга соябон. «Зулфизар билан Авазхон».

**СОЯБОНГУЛЛИЛАР** Соябонга ўхшаш тўпгулли ўсимликлар (зира, каш-нич ва ш. к.)

**СОЯБОНЛИ** Соябони бўлган, соя-бон тутилган. Соябонли киши. Кафе-нинг ранг-баранг соябонли столлари. — Қизи, келинлари билан Лутфинисо ўтираган олдиндаги соябонли араванга йўли минди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СОЯВОН** с. т. Соябон.

**СОЯКИ** [ф-т] Узумнинг бир тури. Бир бош сояки. | Шу узумдан солин-ган вино. Бизда асосан узумнинг са-перави, сояки, оқ мускат каби вино сортлари, майизбон қора қишмиш на-варлари ўстирилади. М. Мирзааҳмедов, Гулистонликлар бўстониди. | Шу узум-дан қурилган майиз. У, оз ўтмай, чойнакда чой, тарелкада нўхат ара-лаш сояки олиб кирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**СОЯЛИ** Соядор, серсоя. Майдон-нинг юқорисидидаги тевараги шосупа-лар, сояли дорахтлар билан ўралган сарҳовуз. Айний, Қуллар.

**СОЯЛИ** Таркибида соя маҳсулоти бўлган. Сояли шоколад.

**СОЯПАР** айн. сояпарвар. [Полон:] Улғудай дангаса, сояпар кишилар. Иш-лашмайди. Меҳнат кунларидан қир-қиб қўйдим. К. Яшин, Тор-мор.

**СОЯПАРВАР** [ф-т] 1 бот. Сояда ўсадиган, сояни яхши кўрадиган. Соя-парвар ўсимликлар.

**2 салб.** Ишламай, соя-салқин жой-ларда ётишни яхши кўрадиган, иш ёқмас; ялқов. Мен кучимни, теримни тўқай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин. Мен икки қўлимни бурнимга тикиб қолаверай. Қани инсоф?! Ой-бек, Қутлуғ қон. || Сенга ўхшаган соя-парвар, бўйни йўғонлар ўзини сал-

қинга уриб, жўжа хўрознинг шўрвасини ичиб ўтирғанда, хотинлар терлаб-пишиб кетмон чопган. С. Аҳмад, Қадрон даладар.

**СОЯПАРВАРЛИК** сояпарвар 2 с. белги оти. Дангасаликка, сояпарварликка .. асло йўл қўймаслик керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

**СОЯ-САЛҚИН** Куёш нури тушмай диган, соя ва салқин. *Соя-салқин жой.* || Бу томоннинг соя-салқини қизларга жиндек ором берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар, Хамма ўзини соя-салқинга урғанда, Матқовул офтоб куйдириб турган оловдек кўча билан уйига югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СОЯСИДА** (б. к. билан) кўм. вази-фасида Туфайли, орқасида, орқали. Шарофатларини соясида кўп кишилар билан танишдик. А. Қодарий, Утган кунлар.

**СОЯЧИРОҚ** этн. Бесоқолларни қизлар қиёфасида кийинтириб, мехмонхонада бир неча чироқ ёруғида томоша қилиш ёки ўйнатиш одати.

**СОҚА I** [а] диал. Каналнинг бош ишооти. Амунинг қайсарлиги тутиб, қирғоқларидан нарига кетди, соқаларга сув бермай қўйди. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан. Даставвал бош соқадан бошлаб катта анҳорлар, сўнгера унинг тармоқлари қазиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**СОҚА II** диал. Соққа.

**СОҚА III** [а] диал. Бирор кимсадан ёки бирор ердан тарқаган; авлод, зот.

**СОҚИЙ** [а] Май қуювчи; косагул. Этакларини бар урган эпчил бақовуллар ош тортар экан, белларида қирқтадан қўнғироқ таққан ёш соқийлар уларга олтин пивлаларда шароб тутадилар. М. Осим, Аждолларимиз қиссаси. Кел, эй соқий! Пилдани тўлдир, Йигит умримга янги йил кирди. Х. Олимжон.

**СОҚИЙЛИК** соқий с. мавҳ. от. Соқийлик қилмоқ.

**СОҚИТ** [а]: соқит қилмоқ олиб ташламоқ, холи қилмоқ. Жавобгарликни ўз гарданидан соқит қилмоқ. — [Отана] учун .. бола тарбиясидек шарафли бурчдан қочиш, уни бўйнидан соқит қилиш ярамайди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**СОҚОВ I** Тилсиз, гунг, гунгалак. Тўғма соқов. Қар ва соқов. — Хайдар азалдан гапдон бўлса ҳам, шу чоғ шу ерда ҳаяжонидан соқов эди. И. Раҳим, Ихлос. **Соқов бўлиб қолмоқ** 1) бутунлай тилсиз, гунг бўлиб қолмоқ; 2) кўчма бирор сабаб билан вақтинча тили ишламай, гапиролмай қолмоқ. 2 Баъзи товушларни қийналиб таллаффуз қиладиган ёки тутилиб гапирадиган; дудук.

**СОҚОВЛАНМОҚ** Тутилиб гапирмоқ, дудуқланмоқ. Қўкragenни баланд тутди-да, яткак чўнтағидан носини олиб, бир чимдимини тил тағига ташлади. Бироз соқовланиб сўзлади. Ойдин, Ширинга мактуб.

**СОҚОВЛИК** соқов с. белги оти.

**СОҚОЛ I** Иякда ўсадиган қил-туқлар қопламаси. Қора соқол. Қуюқ оплоқ соқол. Соқол олдиarmoқ. Соқол қўймоқ. Соқоли чиқмаган йигит. — Уткир қуруқ совуқ!.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров. Ойбек, Қутлуғ қон. Чўққи соқол қ. чўққи.

2 кўчма Баъзи ўсимликларнинг соқсимон попуғи. Маккажўхорининг соқоли.

**СОҚОЛТАРОҚ** Соқол тарайдиган кичкина тароқ.

**СОҚЧИ I** Куролланган қўриқчи, посбон. Чегара соқчилари. — Шаҳар атрофини ўраб олган паҳса деворлар устида соқчиларгина у ёқдан-бу ёққа юриб турар.. эди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. || Соқчи кема соқчилиқ хизмати учун белгиланган харбий кема. | Қўриқчи, қаровчи. Сурук ўз соқчиларига тўла ишонч билан пиш-пиш мудрамоқда. С. Анорбоев, Оксой.

2 Бирор кимсанинг хавфсизлигини сақлаш учун белгиланган шахс, шахсий қўриқчи. [Тожибой] икки қўлини баравар чўзиб аввал.. Тўқсонов билан, сўнгера унинг соқчиси Дадабой билан кўришди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Муҳофаза, химоя қилувчи, қўриқловчи, сақловчи, посбон. Тинчлик соқчилари.

◆ да соқоли оқарган айн. — да сочи оқарган қ. соч I.

**СОҚЧИЛИК** соқчи с. мавҳ. от. Соқчиликда турмоқ. — Назирқул бундай яширин суҳбатларга кўп марта соқчилик қилган. С. Аҳмад, Ҳукм.

**СОҚҚА I** Зўлдир, шар. Сайлов соққаси тар. революциядан илгари сайлов қутсига ташланадиган оқ ёки қора шарча. [Солиҳбой:] Менинг номзодимнинг соққаларини сайлов қутсига юмалатган қози домла билан Ҳасан аканинг панжалари эмас, балки чўнтағимдан ўрмалаб чиқиб турган ўй туёқлик ўрчимчаклар эди. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Чўт донаси.

3 Турли болалар ўйинларида тикилган ганақни уриш учун белгиланган ошиқ, ёнғоқ ва ш. к. Бора-бора ўтди «жупми-тоққа». Сўнгера ўтди соққа ҳам ёнғоққа. Ҳамза.

◆ Кўз соққаси анат. кўзнинг шарсимон юмалоқ қисми. Кўзларини шундай олайтирдик, кўз соққалари ўқдай отилиб кетадиганга ўхшади. П. Турсун, Уқитувчи.

**СОҒ I** Касали йўқ, сихат-саломатлиги яхши; соғлом. Соғ тиши. Соғ танда соғлом ақл. Соғ юрай десанг, озода бўл! — Ушандан бери бир кун соғ бўлсалар уч кун касал. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мучангиз соғ бўлса ҳам, чилим сўришдан бошқа ишга ярамайси! Ойбек, Қутлуғ қон. Ёшсан, соғсан, ишла, ўйна, улафтур; ҳар бир ишхлик йигитликда ярашади, болам. Ойбек, Қутлуғ қон. Отақул соғ кўзини катта очиб дўриллаган товуш билан: — Бу говдан ҳар бало кутса бўлади.

Уни ҳукуматга тутиб бериш керак! — деди. П. Турсун, Уқитувчи. | Эс-хуши жойида, ақли расо. «Ийи, дедим. — Онаси соғ-у, боласи тентак бўлса, унда қандоқ бўлади, бувижон?» П. Турсун, Уқитувчи. || — Хасанали отам соғми, нега сиз билан келмади? — Шукур, соғ! А. Қодирий, Утган кунлар. Ажали етмаган экан, бола бечора соғ қолди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СОҒ II** диал. Унғ. Соғ қўл. — Душман келолмасин соғу сўлига, Узи эга бўлсин Булгор элига. «Эрали ва Шерали».

**СОҒАЙМОҚ** Дарди, касали ариб, яхши бўлмоқ, шифо топмоқ, сыхатланмоқ. Қасалхонадан тамоман соғайиб чиқдим. — Старший лейтенант Нестеренко соғайиб, яна жанговар сафга қайтди. Н. Сафаров, Жангчи шоир. «Хафа бўлма, жонгинам, соғайиб кетман». Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**СОҒАЙТИРМОҚ** соғаймоқ фл. орт. н. Беморларни тез соғайтирадиган дори-дармонлар.

**СОҒАЙТМОҚ** соғаймоқ фл. орт. н. **СОҒАР** [ф-т] эск. Шароб қуйиб ичиладиган идиш.

**СОҒДИРМОҚ I** соғмоқ фл. орт. н. Бойсари [қозимга Қўққамши кўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин], деди. «Алпомиш».

2 Соғиб олиш учун жим туриб бермоқ. Бегона одамларга сира соғдирмайдиган сизир.

**СОҒИЛМОҚ** соғмоқ фл. мажҳ. н. Соғилмаган сизир. Янги соғилган сут. — [Сизир].. бойнинг хотини Путфинисонинг назорати остида соғилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СОҒИМ I** Бир галги сут соғиш; бир гал соғиб олинган сут. Соғимни оширмоқ.

2 айн. соғин.

**СОҒИМЛИ** Соғиш учун қулай; соғишли. Эмчаклари соғимли сизир.

**СОҒИМСИЗ** Соғиш учун ноқулай. Эмчаклари соғимсиз сизир.

**СОҒИН** Сут берадиган, соғиладиган. **Соғин сизир I** сут берадиган, соғиладиган сизир. Қайнанаси .. бир кун у тўйга, бир кун бу тўйга кетади. Кап-катта рўзғор, соғин сизир, бир нечта қўй келинга қолади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда; 2) кўчма текин даромад манбаи. — Ҳўжаназарнинг ўзи колхоздан чиқдим! — деб сўради хотини эридан. — Йўқ, уни колхоздан қувмасалар, ўз иштиёри билан чиқмайди, чунки ҳозирча колхоз у учун бир соғин сизир. Айний, Қулар.

**СОҒИНИШМОҚ** соғинмоқ фл. бирг. н. Бир-бирини соғинишмоқ. — Одамлар бобонинг суҳбатини соғинишган эди. А. Мухтор, Чинор. Шуларнинг [қариндош-уруғнинг] ҳам меҳри-муҳабати бордир. Шулар ҳам соғинишар дейман? Ё сенчалик соғинишмасмикин? А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**СОҒИНМОҚ I** Айрилиқдаги яқин кишини жуда кўргиси келмоқ; қум-

самоқ; соғинч хисси сезмоқ. *Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан, Марғилон жўнар эдим.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Эй, дилрабо, ишқинге била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза. | Умуман кумсамоқ, хумор қилмоқ. *Қапалак гулли соғинар, булбул куйини.* Мақол.

■ **Ғулмоқорининг ашуласини жуда соғиниб қолдик.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қалтакни соғиндингми?** калтак егинг келяптими?

2 Раво кўрмоқ, истамоқ. [Содиқ:] *Бўри боласига ёмонлик соғинмайди.* [Қудрат:] *Бўри полвон боласидан бошқага ёмонлик соғинади, демоқчимсиз?* Н. Сафаров, Уйғониш. *Демак, тошкентлик [йигит] унинг [Ойнисанинг] ҳаёти, тақдири, келажаги ҳақида ўйляпти.* Тошкентлик тоғ қизига фақат яхшилик соғинапти. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**СОҒИНТИРМОҚ** соғинмоқ 1 *фл. орт. н. Эй бормисиз, дўстим!* Соғинтириб юбордиғиз-ку жуда. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Низомжоннинг] соғинтирган акаси келиб уйи обод бўлди, ёр-биродарлари олдида кўпчи кўрган акаси билан фахрланади. С. Аҳмад, Уфқ. *Бизни соғинтирган баҳор каникули келди.* Х. Назир, Чўл хавоси.

**СОҒИНЧ** Соғиниш хис-туйғуси. *Буви севимли келини Ойнисани икки кун кўрмаса қаттиқ соғинар эди, энди бунга Ғулнознинг ҳам соғинчи қўшилди.* Х. Ғуллом, Тошкентликлар. *Бектемир, худди отасининг соғинчи билан кўкси тўлгандек, хўрсиниб ўрнидан турди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Ҳафиза онаси бағрида қўзига андак ёш олди, бу соғинч ёшлари эди.* Мирмуҳсин, Умид.

**СОҒИНЧЛИ** Соғинч билан тўлиб-тошган, соғинч ифодаловчи. *Соғинчли салом (хатда, мактубда).* ■ Шу тоб: *Ногоҳ иштиди соғинчли хитоб: «Оҳ, Тошкент, Тошкент!» Ҳаммамиз қайрилиб қарадик дарҳол, Арчага суялиб турарди бир чол. Шайхзода.* || *Аҳмад Хусайн қизининг юзларига, унинг туйғун кўзларининг қия боқилари ва нозли жилваларига узоқ, чуқур, соғинчли боқиб узун хўрсинди.* Ойбек, Нур қидириб.

**СОҒИШМОҚ** соғмоқ *фл. бирг. н. Бор, қизим, Хадича аяниче қақриб чиқ, сизирни соғиниб олинелар.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**СОҒЛИК** 1 соғ 1 с. белги оти.

2 Қасалдан холилик, саломатлик. *Соғлигим — бойлигим.* Мақол. *Тани соғлик — туман бойлик.* Мақол. *Поклигинг — соғлигинг.* Мақол. *Соғлик тиламоқ.* Соғликни сақламоқ. Соғлигини сўрамоқ. Соғликни сақлаш министрилиги.

**СОҒЛОМ** 1 Дард-қасалдан холи; соғ. Соғлом одам. ■ *Соғлом гавда, ёш кучим-ла юғурайин, ишлайин.* Ғайра-

тий. [Унсин] *ўн беш-ўн олти орасида бўлган, қорамтир, лекин тоза, соғлом юзли.. бўйчан, қишлоқча содда самимий бир қиз эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Соғликни сақлаш талабларига тўла жавоб берадиган; беғубор, тоза, соғ. *Соғлом турмуш шароитлари.*

2 *кўчма* Зарарли таъсирдан, салбий хислат, иллат ва ш. к.дан холи; тоза, пок. *Соғлом оила. Соғлом ижтимоий муҳит.*

3 *кўчма* Рухий жиҳатдан шикаст етмаган; расо. *Соғ танда — соғлом ақл.* Мақол.

4 *кўчма* Мафқуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок. *Соғлом фикр.*

**СОҒЛОМЛАНМОҚ** Зарарли таъсир, салбий хислат, иллат ва ш. к.дан қутулмоқ; мафқуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок, соғлом бўлмоқ; соғломлашмоқ. *Идора аппарати соғломланди.*

**СОҒЛОМЛАНТИРМОҚ** соғломланмоқ *фл. орт. н. Идора аппаратини соғломлантириш.*

**СОҒЛОМЛАШМОҚ** 1 *айн. соғломланмоқ.* *Халқаро муносабатлар соғломлашиб бормоқда.*

2 Дард-қасали ариб яхши бўлмоқ, соғаймоқ, тузалмоқ. | Соғликни сақлаш талабларига тўла жавоб берадиган ҳолга келмоқ. *Турмуш шароитлари соғломлашди.*

**СОҒЛОМЛАШТИРМОҚ** соғломлашмоқ *фл. орт. н. Ёзги соғломлаштириш ишлари.* *Соғломлаштириш чораларини кўрмоқ.* ■ *План тўқайни ўзлаштириши, ерларни соғломлаштириши ҳисобига пахтачилик, чорвачилик, шолкорлик ва бодғорчиликни йилма-йил ривожлантириб боришни кўзда тутарди.* Х. Ғуллом, Сенга интиламан.

**СОҒЛОМЛИК** соғлом с. белги оти. *Ақлнинг соғломлиги.* *Фикрнинг соғломлиги.* ■ *Район советининг иофёри Тищенко деган аёл унинг [Мадоҳатнинг] соғломлигига, кучига, абжирлигига, айниқса зехнига қойил бўлиб юрар экан.* А. Қаҳҳор, Жонқифон.

**СОҒМОҚ** Эмчакни йдириб, унинг учларини чўзиб ёки машина ёрдамида сутни чиқариб олмақ. *Эчкиларни соғмоқ.* *Бир челақ сут соғиб олмақ.*

■ [Ғулсамбиди] *усту кўк сирли катта челақни олиб сизир соққани оғилхона томон кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Арқонни соғмоқ** силтаб-силтаб тортиб арқонни тарангламоқ. **Соғиб ичмоқ** кимсаннинг бутун топган-гутганидан, куч-қувватидан ўзиникидай фойдаланмоқ. *Низомиддин судхўрнинг пули билан қутулдим.* У энди бир умр бизни соғиб ичади. Ойбек, Нур қидириб.

**СОҒОНА** [ф-т] 1 Қабр устига қурилган ёдгорлик; мақбара. «Қаерга борасиз, қулбобо, сиз бизнинг бобомизсиз, тирик экансиз, биз оч бўлсак — оч, тўқ бўлсак — тўқ бўласиз, .. ажаланишг етса, отамнинг ёрри ёнига сиз учун катта бир соғона ясаб, сизни элтиб кўчмамиз». Айний, Қуллар.

2 Мозор, гўр, қабр. *Асқар ота бориб соғонанинг бош томонига чўкка тушди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**СОҒ-САЛОМАТ** *айн. сихат-саломат.* *Адолат Москвага етиб борганини, соғ-саломат эканини ёзди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**СОҒУПРОҚ** Тоза сариқ тупроқ. **СОҒУВЛИК** *айн. соғин.* *Соғувлик сизир.*

**СОҒУВЧИ** 1 соғмоқ с. иш. оти. 2 Фермаларда молларни соғувчи ҳодим.

**СОҒА** [а] 1 Инсон фаолияти, илм-фан, маданият ва ш. к.нинг ҳар бир тармоғи. *Фан соҳалари. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари.* ■ *Сиз билан биз нозик соҳанинг — идеология соҳасининг кишиларимиз. Бу соҳадаги ҳар бир бўшаши, ҳар бир тисарилиш ёт ғояларга йўл очиб бўлиб чиқади.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

2 *кам қўлл.* Ер, майдон. *Ойнинг тўла тугилиш соҳаси (астр.).* ■ *Сарв ёғочлари билан банд катта соҳа.* Ойбек, Навоий.

**СОҒИБ** [а] 1 Эгаллик қилувчи; эга. *Уй соҳиб.* ■ *Тўй соҳиб* Мирзакаримбой ҳали меҳмонхонадан чиққан эмас. Ойбек, Қутлуғ қон. **Соҳиб** давлат давлат эгаси, бадавлат, давлатманд. **Соҳиб** тадбир тадбир эгаси, тадбирли, тадбиркор. [Хусайн:] *Мамлакатимизнинг ақли ҳисобланмиш, соҳиб* тадбир доно Навоийнинг буқун .. сазъ мулоҳазалар юртишининг боси не бўлса экан? Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Соҳиб** тож тож эгаси, тождор (шоҳлар, подшоҳлар ҳақида).

2 Соҳиб (эркаклар исми).

◆ **Соҳиб(и) каромат** каромат қилувчи, кароматли. *Одамлар Султон девонани «оташнафас» вали деб мақташар эди.* Уша нодон, аданган кишиларнинг мақтаб .. юрган «соҳиб каромат»и, бир алжиллаб ўттирган банги экан. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари. **Қалам соҳиб** қалам тебратувчи; ёзувчи.

**СОҒИБА** [а] 1 Эгаллик қилувчи аёл, соҳиб аёл. *Уй соҳибаси.* *Хушовоз соҳибаси.*

2 Соҳиб (хотин-қизлар исми).

**СОҒИБЖАМОЛ** [а] 1 Ғўзал хусн-жамол эгаси; хушрўй, барно, зебо. *Соҳибжамол аёл.* || *Кушининг қаноатидай бошда рўмоллар Хуррам ишларди соҳибжамоллар.* М. Алавия.

2 Соҳибжамол (хотин-қизлар исми).

**СОҒИБИ** [ф-т<а] Узум нави. | Шу узумдан тайёрланган майиз.

**СОҒИБКОР** [а+ф-т] Уз ишининг устаси; омилкор. *Соҳибкор боғбон.* ■ *Қурултойга завқ билан келар илғор пахтакор, Ваъдага вафо қилган баҳодир, соҳибкор.* А. Пўлат.

**СОҒИБКОРЛИК** соҳибкор с. касб оти. *Ишқомда туглиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ эғаллаб,*

санъат даражасига кўтарган эди. А. Мухтор, Чипор.

**СОҲИБҚИРОН** [а] эск. Бахтли бўлиб тугилган, юлдузи чарақлаган; бахтли. Бу чорвоққа кирсанг қувват олсан, Асли ўзинг соҳибқирон бўласан. «Едгор». | тар. Шарқ мамлакатларида: амир, шоҳлар унвони (дастлаб Амир Темурга тахтга ўтирган вақтда берилган). Амир Темур соҳибқирон. — Шу ернинг ўзидagina «Саид Жалолхон соҳибқирон» деб ном берилди ва хон кўтарилди. А. Қаҳҳор, Башират.

**СОҲИЛ** [а] Сув хавзаларининг чети; бўй, қирғоқ. Денгиз, мунча ҳовлиқасан, Қайиқларни иргитасан, Тоғдай-тоғдай тўқинларни Соҳилларга сен отасан. Ғайратий. | Сув хавзалари бўйлаб жойлашган ерлар. Қумуш рангли булултар Сув олади Оролдан, Лоллазорга айланар соҳил эрта баҳордан. З. Диёр.

**СОҲИР** [а] Сеҳрли, афсункор. Соҳир кўлар. — Навоий Ҳисравнинг соҳир қаламини ғоят самимий ва қизғин мақтади. Ойбек, Навоий. || [Мунажжим:] Фалакнинг ҳалқумин соҳир сиқибдур: қарангиз, уч қуёш бирдан чиқибдур. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**СПАРТАКИАДА** [р] Оммавий мусобақалар, спорт байрами. СССР халқларининг спартакиадаси. Қишлоқ спортчилари спартакиадаси.

**СПЕКТАКЛЬ** [р<лат] Саҳнага кўйилган театр томошаси. «Бой ила хизматчи» спектакли. — Анорхон .. спектаклнинг боришини томошабинлар қаторида кўрмоқчи бўлди. И. Раҳим, Ихлос.

**СПЕКТР** [р<лат] Мураккаб нурнинг шнша призма ва ш. к. орқали ўтиб, таркибий қисмларга ажралиши натижасида ҳосил бўлган ранг-баранг чизиқлар. Қуёш спектри. Туташи спектр. Ютилиш спектри.

**СПЕКТРАЛ** [р спектральный] Спектрга оид. Спектрал анализ моддаларнинг спектр чизиқларига қараб уларнинг химиявий таркибини анализ қилиш усули.

**СПЕКУЛЯНТ** [р] Спекуляция билан шуғулланувчи одам; олиб сотар, чайқовчи.

**СПЕКУЛЯЦИЯ** [р<лат] Фойда олиш, бойиш мақсадида камёб нарсаларни, қимматбаҳо қоғоз, акция ва ш. к.ни олиб сотиш; чайқовчилик.

**СПЕРМАТОЗОИД** [р<грек] айн. маний. СПЕРМАТОЗОИД [р<грек] физиол. Эркак жинсининг маний таркибида бўладиган уруғи.

**СПЕЦИФИК** [р специфический] Ўзига хос, фақат бир нарсанинг, ҳодисанинг ўзи учунгина характерли бўлган. Модданинг специфик хусусиятлари. Ўрмоннинг специфик шароити.

**СПЕЦИФИКА** [р<лат] Бирор нараса, ҳодиса учунгина хос, характерли хусусиятлар мажмуи. Ўрта Осийда ирригация қурилишларининг специфи-

каси. Пахтачиликнинг спецификаси. Тошкентда метро қурилишининг спецификаси.

**СПЕЦИФИКАЦИЯ** [р<лат] Йиғиш чизмасида тасвирланган ёки бирор комплект таркибига кирган деталларнинг, қисмларнинг батафсил рўйхати.

**СПИДОМЕТР** [р<ингл] Автомобиль, мотоцикл ҳаракат тезлигини ва босиб ўтилган йўлини кўрсатувчи асбоб.

**СПИРАЛ** [р спиральный] Винт чизиги шаклидаги. Спирал зинапоя. Спирал шаклида ўралган сим.

**СПИРАЛСИМОН** Спирал шаклидаги; спирал.

**СПИРАЛЬ** [р<грек] Винт шаклидаги узлуксиз бурама сим. Электр плита спирали.

**СПИРОХЕТА** [р<грек] Чувалган ип шаклидаги микроб.

**СПИРТ** [р] I Серкрахмал, ширали маҳсулотлардан (буғдой, картошка ва ш. к.дан) ҳайдаш йўли билан ҳосил қилинадиган, алкоғолга бой, ўткир таъмили, туссиз, ёнувчи суюқлик. Вино спирти.

2 хим. Таркибида водород атоми билан кислород атоми бирикмаси бўлган бир группа органик моддалар номи. Ёғоч спирти.

**СПИРТЛАМОҚ** I Спирт сингдирмоқ, спиртга тўйинтирмоқ.

2 Янги солинган узум виносига, унинг қувватини ошириш ва ширасини сақлаш учун спирт қўшмоқ.

**СПИРТЛИ** Ичида спирти бўлган, спирти бор. Спиртли идиш. | Спирт қўшилган, таркибида спирт бўлган. Спиртли ичимликлар.

**СПИРТОВКА** [р] Спирт билан ёнадиган горелкали мослама.

**СПИРТСИЗ** Спирт солинмаган, спирт қўшилмаган, таркибида спирти бўлмаган. Спиртсиз ичимликлар.

**СПОРА** [р<грек] биол. Гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи жониворларнинг бошланғич уруғи. Йўсин споралари.

**СПОРАЛИ** Споралар орқали кўпаядиган. Спорали ўсимликлар.

**СПОРТ** [р<ингл.] Соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадан тарбия машқлари, ўйинлари, кураш, туризм ва ш. к. мажмуи. Сув спорти. Спортнинг ёғи турлари. Қўнғилли спорт жамияти. Спорт ўйинлари. Спорт билан шуғулланоқ.

**СПОРТЧИ** Спортнинг бир ёки бир неча тури билан системали равишда шуғулланувчи киши.

**СПОРТЧИЛИК** Спорт билан шуғулланиш, спорт ишлари. Спортчиликни ривожлантириш.

**СПРАВКА** [р] Бирор кимса, нараса, иш ва ш. к. ҳақидаги қисқача маълумот. Справка бюроси. Справка учун сўз сўрамоқ (мажлисда). | Шундай маълумотни тасдиқловчи ҳужжат. Соғлиги ҳақидаги справка. Иш жойидан справка олмақ. Маълумоти ҳақида справка бермоқ. — [Набиеул:] Фарғонада бир бойга хизматкор бўлган-

ман. Борсам справка топа оламан, аммо бормайман, ўртоқжон. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**СПРАВЧОЧНИК** [р] Бирор масала, билим соҳаси ва ш. к. бўйича қисқача маълумотлар ёзилган китоб; маълумотнома. Амалий врачлар учун справочник. Математик справочник.

**СПРИНТ** [р<ингл] спорт. Қисқа масофага югуриш, сузиш ва ш. к.

**СПРИНТЕР** [р<ингл] спорт. Қисқа масофага югурувчи ёки сузувчи спортчи; тақ. стайер.

**СТАБИЛ** [р стабильный] Қарорлашган, ўзгармайдиган, барқарор, турғун. Стабил баҳо. Стабил кучланиш (э.). — Стабил ва мўл ҳосил олиб туриш — стабил ва мўл даромадлар олиб туриш демакдир.

**СТАБИЛИЗАТОР** [р<лат] I тех. Автомобиль, самолёт, ракета, мина ва ш. к.нинг ҳаракатини турғунлаштирадиган асбоб, мослама.

2 Бирор процессни, мас. электр токининг кучланишини бир текис туриб турадиган асбоб. Телевизор стабилизатори.

3 Бирор модданинг ўзгаришини, мас. оксидланишини секинлаштирадиган бошқа модда.

**СТАБИЛИЗАЦИЯ** [р<лат] Стабил ҳолатга келиш ёки келтириш, стабиллаштириш ёки стабиллаштириш. Экономика стабилизацияси. Стабилизация қурилмаси. — Ташқи савдо ривожланмоқда, сўйиниб стабилизацияси ҳам, гарчи тўхтаб-тўхтаб бўлса-да, кучайиб бормоқда. В. И. Ленин, «Манчестер гардиан» мухбири билан суҳбат.

**СТАБИЛЛАШМОҚ** Стабил, турғун, барқарор ҳолга келмоқ, текислашмоқ, турғунлашмоқ. Баҳолар стабиллашди. Ҳосилдорлик стабиллашди.

**СТАБИЛЛАШТИРМОҚ** стабиллашмоқ фл. орт. н. Баҳоларни стабиллаштирмоқ. Ҳосилдорликни стабиллаштирмоқ.

**СТАБИЛЛИК** I стабил с. белиги оти. Тезликнинг стабиллиги. Сўйиниб стабиллиги.

2 Стабил ҳолат.

**СТАВКА** I [р] I Қўмондон қароргоҳи. Ставкага бормоқ.

2 Олий бош қўмондон ваколатига эга бўлган орган. Ставка директивалари.

**СТАВКА** II [р] Солиқ, иш ҳақи ва бошқа турли хил тўловлар нормаси. Ойлик ставка. Солиқ ставкаси.

**СТАДИАЛ** [р стадиальный] Стадиялар, босқичлар бўйича содир бўладиган. Стадиал процесс. Стадиал ривожланиш.

**СТАДИОН** [р<грек] Футбол ва бошқа спорт ўйинлари майдони, югуриш йўллари ва томошабинлар учун трибуналари бўлган катта спорт даргоҳи. «Пахтакор» стадиони.

**СТАДИЯ** [р<грек] Воқеа, ҳодиса, процесс ва ш. к.нинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўл-

ган ҳар бир муайян давр, босқич. *Курт боқшининг биринчи стадияси.*

**СТАЖ** [*p < фр*] 1 Бирор ишда ишлаган ёки бирор ташкилотда аъзо бўлиб турган вақт, муддат. *Меҳнат стажи. Комсомоллик стажи.*

2 Бирор ишда, соҳада амалий тажриба орттириш учун белгиланган вақт. *Бу ишда менинг стажим йўқ.*

**СТАЖЁР** [*p < фр*] Стажировка ўтаётган киши.

**СТАЖИРОВКА** [*p*] 1 Махсус билим юртини тугатиб амалий иш бошладан, корхона, муассаса штатига қабул қилинишидан олдин ўтиладиган синов.

2 Махсус ўқув юртлари талабаларининг ўз ихтисосини эгаллаш, тажриба орттириш учун ишлаб чиқаришда олиб борадиган амалий ишлари.

**СТАЙЕР** [*p < инг*] Узоқ масофаларга югурувчи ёки сузувчи спортчи; *тақ. спринтер.*

**СТАКАН** [*p*] Ичимликлар ичиш учун ишлатиладиган цилиндрик ишча идиш. *Киррали стакан. Билур стакан. Бир стакан сув.*

— *Томоғи қурий бошлаган Эраш стол устида турган стаканга сув қуйиб бир қулт(ум) ичиб, яна сўзини давом этдирди. Айний, Қуллар.*

**СТАН** [*p*] *тех.* Металл чиғирлайдиган, ёядиган машина. *Прокат стани. Трубопрокат стани.*

**СТАНДАРТ** I [*p < инг*] Махсулотларнинг сифати, состави жиҳатидан бир хил бўлишини таъминловчи намуна. *Давлат стандартлари.*

**СТАНДАРТ** II [*p* стандартный] 1 Стандартга мувофиқ, мос бўлган, стандарт талабларига жавоб берадиган. *Стандарт уйлар. Стандарт деталлар.*

2 *кўчма* Бир қолипдаги, шаблон. *Стандарт гап.* || *Келанлар мен билан икки сўзли стандарт табрик айтиб сўрашдилар. Ш. Ризо, Қор ёди, излар босилди.*

**СТАНДАРТЛАШМОҚ** Бир стандартга келмоқ, стандартга мувофиқ бир қилда, бир қолипда ишланмоқ, ясалмоқ, ҳозирланмоқ. *Стандартлашган бинолар.*

**СТАНДАРТЛАШТИРМОҚ** стандартлашмоқ *фл. орт. н.*

**СТАНДАРТСИЗ** Стандартга мос келмайдиган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, стандартдан ташқари; ностандарт. *Стандартсиз мол. Стандартсиз усқуналар.*

**СТАНОК** [*p*] 1 *тех.* Металл, ёғоч ва ш. к. ашёларга ишлов бериш, улардан турли буюмлар ясаш учун белгиланган машина. *Пармалаш станогии. Силликлаш станогии.* — *Бу ерда цехлар ичра Станок тилин, Бошдан оёқ ўрганган Ҳаракат йўлин. Ғайратий.*

2 *ҳарб.* Пулемёт ва ш. к. қурооллар ўрнатилган, одатда филдиракли асос. *Пулемёт станогии.*

**СТАНОКЛИ** I Станогии бор, станок билан таъмин этилган. *Замонавий станокли цехлар.*

2 Станокка ўрнатилган. *Ўн тўрт-*

*инчи вагон томига қўл пулемёти, охири вагонга иккита станокли пулемёт ўрнатилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**СТАНОКСОЗ** [*p + ф-т*] Станок ясовчи, станок ишлаб чиқарувчи ишчи, мутахассис.

**СТАНОКСОЗЛИК** Станоклар ишлаб чиқариш ва машинасозлик саноатининг станоклар ишлаб чиқарадиган тармоғи. *Станоксозликни ривожлантириш. Станоксозлик саноати.*

**СТАНОКЧИ** Станокда ишловчи ишчи. *Кўп станокчи бир вақтда бир неча станокни бошқарувчи ишчи.*

**СТАНСА** [*p* станция] *с. т. эск.* Станция. *Жўна, бошқа юмушларни қил. Ман ўзим ҳайдайман, стансада юмушим ҳам бор,— деди-да, Ермат ҳайдовчи ўрнига ўтириб олди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

◆ **Стансаи йўқ** *с. т.* тайини йўқ, бетайини. *Стансанг ишлайдими? дағл. миянг ишлайдими?, ақлинг борми?*

**СТАНЦИЯ** I [*p*] Темир йўл поездлари ёки бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой. *Темир йўл станцияси. — Эшелон Оренбурдан ўтди, аллақайси станцияда бир неча соат тўхтаб қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Бир территорияга хизмат кўрсатувчи ёки илмий-текшириш иши олиб борувчи муассаса. *Телефон станцияси. Метеорология станцияси. Селекцион станция. Болалар техник станцияси.*

**СТАРТ** [*p < инг*] 1 Спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. | Учиш аппаратларининг ердан кўтарилиш жойи. *Старт чизиги. Старт майдони. Самолёт стартга чиқди, старт олди.* — *Раҳим цирк полволларидай кўкрагини олдинга чиқариб, лапанглаб стартга яқинлашди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Спорт мусобақаларининг бошланиш пайғи. | Учиш аппаратларининг ердан кўтарилиш пайғи. *Биз янги космик стартлар бўсағасида турибмиз. Эндиги навбат — ойна! Э. Муҳаммадиев, Янги парвозлар бўсағасида.*

**СТАРШИЙ** [*p*] Унвон ёки лавозим номи таркибида «младшийдан» юқори, «катта» маъноларини билдириб келадиган сўз. *Старший инспектор. Старший мастер.* — *Рота командири старший лейтенант Годин шу ергача бўлган юришга яқин ясади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**СТАРШИНА** [*p*] Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотидagi кичик раҳбарлик составининг юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. *Рота старшинаси Куценко югуриб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**СТАТИК** I [*p* статический] Статикага, ҳаракатсизлик ҳолатига, мувозанатга оид, шулар билан боғлиқ бўлган. *Статик нарузка.* — *Ҳаракатсиз ҳолатдаги иш, масалан қўлни чўзиб турган ҳолатда юкни ушлаб*

*туриш статик иш деб аталади. «Ана-томия».*

2 [*p* статичный] Ҳаракатсиз ҳолатни акс эттирувчи, ҳаракатсиз, тургун ҳолатдаги. *Статик тасвир.*

**СТАТИКА** [*p < грек*] 1 Механикада жисмларнинг мувозанат қонуларини ўрганадиган бўлим.

2 Мувозанат, типчилик ҳолат.

**СТАТИСТИК** [*p*] Статистика мутахассиси, статистика билан шуғулланувчи киши.

**СТАТИСТИК** [*p* статистический] Статистикага оид. *Статистик маълумотлар.* | Статистика методлари асосида олиб бориладиган, статистика методлари билан тўпланган маълумотларга таянадиган. *Статистик кузатишлар. Статистик жадваллар.*

**СТАТИСТИКА** [*p < лат*] 1 Қишлоқ жамияти тараққиётидаги миқдорий ўзгаришлар ва уларни ҳисобга олиш методлари ҳақидаги фан.

2 Ижтимоий ҳаёт ва халқ хўжалиғи тармоқларидаги миқдорий ўзгаришлар юзасидан шу фан методи асосида олиб борилган ҳисоб-китоб; учёт. *Саноат статистикаси. Қишлоқ хўжалиғи статистикаси. Туғилиш статистикаси.*

3 Бир қатор аниқ фанларда қўлланадиган махсус текшириш методи. *Математик статистика.*

**СТАТУС** [*p < лат*] Халқаро ҳуқуқда: ҳолат, вазият. *Дипломатик статус. Давлатнинг мустақиллик статуси.*

**СТАТУЭТКА** [*p < фр*] Кичик статуя, ҳайкалча.

**СТАТУЯ** [*p < лат*] Одам ёки ҳайвон қиёфасини одатда бор бўйича акс эттирадиган ҳайкал. *Бронза статуя.*

**СТАТЬЯ** [*p*] *фин.* Молиявий хужжат, бюджет ва ш. к.нинг даромад манбалари ёки буромад асослари кўрсатилган ҳар бир бўлими, моддаси. *Даромад статьялари. Буромад статьялари. Бюджет статьялари.*

**СТАХАНОВЧИ** [*p* стахановец < машхур кончи А. Стаханов номидан] *тар.* Стахановчилик ҳаракатининг қатнашчиси. *Жонфигон ўтган йил баҳор кечаларининг бирида .. истироҳат боғига кирган экан, қараса, шаҳарнинг ман-ман деган стахановчилари қаторида хотинининг ҳам каттақон портрети турибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.*

**СТАХАНОВЧИЛИК, стахановчилик** ҳаракати СССРда 1935—1940 йилларда кенг тарқалган, янги техника воситаларини эгаллаш, социалистик мусобақани авж олдириш асосида эски ишлаб чиқариш нормаларини парчалаб ташлашга қаратилган илғор ҳаракат.

**СТАЦИОНАР** I [*p < лат*] Ҳамиша бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас ишхона, муассаса ва ш. к. *Стационарда даволанмоқ.*

**СТАЦИОНАР** II [*p* стационарный] Бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас. *Стационар устакхона. Стационар кутубхона.*



**СТАЧКА** [р] Ишчи ва хизматчиларнинг уюшган ҳолда оммавий равишда иш ташлашлари; забастовка. *Сийсий кураш билан иқтисодий кураш қўшилиб туриб, революцион стачка ҳосил қилади.* В. И. Ленин, Брюссель кенгашида РСДРП МКнинг доклади.

**СТАЧКАЧИ** Стачка қатнашчиси, иш ташловчи.

**СТАЧКАЧИЛИК** Стачкалар уюштириш, иш ташлашлар. *Чор монархиясининг армияси мағлубиятга учради, пролетариат ўртасида стачкачилик ва революцион ҳаракат ўсди.* В. И. Ленин, Россиянинг енгилиши ва революцион кризис.

**СТВОЛ** [р] 1 Милтиқ, тўп сингари отиш қуролининг ўқ отилиб чиқадиган найсимон қисми. *Милтиқ стволи. Пулемёт стволи.* — *Танклардаги тўпларнинг узун стволлари олов пурайк бошлади.* Ойбек, Куёш қораймас.

2 *кон.* Вертикал шахтанинг оғзидан тубигача бўлган қисми. *Шахта стволи.*

**СТЕАРИН** [р<грек] Совунгарликда ва шам қуйиш учун ишлатиладиган мумсимон оқ қаттиқ мой модда. || *Стеарин шам.*

**СТЕЛЛАЖ** [р<нем] Турли нарсалар қуйиш учун ясалган сўнчаксимон устма-уст тоқчалар.

**СТЕЛЬКА** [р] Пойабзалнинг нчига қўйиладиган юпқа чарм, мата ёки картон патак.

**СТЕНД** [р<ингл] 1 Виставка, музей ва ш. к.да экспонатлар қўйиладиган жой, шчит. *Адабиёт музейида «Навоий» стенди. Экспонатларни стендларга қўймоқ. Стенд ташкил этмоқ.* — *Стендларда ойна тасвирга қўйилган турли-туман минераллар йилт-йилт товланар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Тайёр машиналар синаладиган қурилма. *Двигательни стендга ўрнатиб синовдан ўтказмоқ.*

3 Ҳавода учиб бораётган нишонга сочма ўқ билан отиш учун жиҳозланган махсус жой, майдонча.

**СТЕНОГРАММА** [р<грек] Стенографик усул билан ёзиб олинган текст. *Доклад стенограммаси. Лекция стенограммаси.*

**СТЕНОГРАФИК** [р стенографический] 1 Стенографияга оид. *Стенографик усул. Стенографик алифбе.*

2 Стенография усули билан ёзиб олинган. *Стенографик ҳисобот. Сўздининг стенографик материаллари.*

**СТЕНОГРАФИСТ** [р] Оғзаки нутқни стенография усули билан ёзиб олувчи мутахассис.

**СТЕНОГРАФИСТКА** [р] Стенографист аёл.

**СТЕНОГРАФИСТЛИК** стенографист с. қасб оти. *Стенографистлик курси. Стенографистликни ўрганмоқ.*

**СТЕНОГРАФИЯ** [р<грек] Оғзаки нутқни турли шартли белгилар ва қисқартмалар билан тез ёзиб олиш

усули. *Стенография курси. Лекцияларни стенографияда ёзиб бормоқ.*

**СТЕНОГРАФИЯ** айн. стенографист. У [Аҳмад ака] *Ўзбеклар орасидан чиққан биринчи стенографидир.* Х. Нурий, Сураат тарихи.

**СТЕРЕОГРАФИК** [р стенографический] Стереографияга оид. *Стереографик проекция.*

**СТЕРЕОГРАФИЯ** [р<грек] мат. Геометрик жисмларни текисликда перспектив тасвирлаш усули ва шу усулда ҳосил қилинган тасвир.

**СТЕРЕОМЕТРИК** [р стереометрический] Стереометрияга оид. *Стереометрик шакл.*

**СТЕРЕОМЕТРИЯ** [р<грек] мат. Геометриянинг фазодаги геометрик жисм хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

**СТЕРЕОСКОП** [р<грек] Бир нарсанинг иккита тасвирини бирга қўшиб бўрттириб кўрсатадиган оптик асбоб.

**СТЕРЕОСКОПИК** [р стереоскопический] 1 Ҳажми, фазовий шакли яққол кўзга ташланадиган, бўрттиб кўринадиган, бўртма. *Стереоскопик тасвир. Стереоскопик фотосурат.*

2 Бўртма тасвир ҳосил қиладиган, бўрттириб кўрсатадиган. *Стереоскопик кино.*

**СТЕРЕОТИП** [р<грек] полигр. Набордан металл, резина ёки пластмассага кўчирилган нусха, босма қолип (текстни кўп нусхада босиш ва қайта нашр этишда ишлатилади). || *Стереотип нашр тайёр босма қолипдан фойдаланиб чиқарилган нашр.*

**СТЕРЕОТИПИЯ** [р] полигр. Стереотиплар тайёрлаш ва улардан фойдаланиб китоб ва ш. к. босиш усули, техникаси.

**СТЕРЖЕНЬ** [р] Металл ёки бошқа материалдан тайёрланган таёқча детал. *Металл стержень. Затвор стержени.*

**СТЕРИЛ** [р стерильный] Стерилизация қилинган, микроблардан холи қилинган. *Стерил момиқ. Стерил бинт.* — *Аппарат бутун асбоблари билан стерил бўлиши лозим.* Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

**СТЕРИЛИЗАЦИЯ** [р<лат] Қайнатиб, қизитиб, қатрон қилиб ёки химиявий йўл билан микроблардан тозалаш, зарарсизлантириш.

**СТИЛИСТИК** [р стилистический] Стилга, стилистикага оид, услубий. *Стилистик хато. Стилистик жиҳатдан ғализ жумла.*

**СТИЛИСТИКА** [р] 1 Стиль, адабий тил услуги ҳақидаги фан.

2 Адабиёт назариясининг бадний асар тили ва унинг ифода воситалари ҳақидаги бўлими. | Адабий асарнинг тил хусусиятлари ва ифода воситалари.

**СТИЛЬ** 1 [р<фр] 1 Санъаткор ижодининг ёки маълум давр санъати ва адабиётининг ғоявий мазмун ва бадний формаларида ўзига хос хусусият ва белгилари мажмуи, услуб. *Адабиётда романстик стиль. Архи-*

*текстурада шарқ стили. Готика стили.*

2 Бирор ёзувчи, адабий асар ёки жанрнинг тил бойлигидан, унинг ифода воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос хусусиятлари ва усул-услублари. *Ёзувчининг стили. Китобий стиль. Публицистик стиль.* | Синтаксис ва адабий тил нормаларига мос гап қурилиши. *Силлиқ стиль. Ғализ стиль. Стиль камчиликлари.*

3 Бирор иш-ҳаракат услуби. *Раҳбарлик стили. Сузши стилилари.*

**СТИЛЬ** II [р<фр] Тил ҳисобининг усули. Ҳозирги вақтда ҳамма маданий халқлар вақт ҳисобини янги (григориан) стиль бўйича олиб борадилар. «Астрономия».

**СТИЛЯГА** [р] салб. Қийпиш ва юриш-туришда кўпчиликнинг дидига мос келмайдиган, модага зеб берувчи, ўтакетган моданараст. *Шаҳар стилгаларини бир чўқшида қочирадиган бу қиз Иномжонни таломамо лол қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Мўтти.

**СТИМУЛ** [р<лат] Бирор ишга қизиқиш тугдирадиган, рағбатлантирадиган, ундайдиган нарсая, омил. *Меҳнат унвондорлигини оширувчи стимуллар. Моддий стимул. Маънавий стимул. Стимул бермоқ.*

**СТИПЕНДИАТ** [р] Стипендия олиб ўқувчи студент. *Ленин номидаги стипендия олувчи стипендиатлар.*

**СТИПЕНДИЯ** [р<лат] Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларининг студент ва ўқувчиларига, аспирант ва докторантларга ой сари бериб туриладиган нафақа, пул.

**СТИХИЯ** [р<грек] 1 Кучли табиий офат (ёнгин, тошқин, довул, зилзила ва ш. к.). *Табиат стихиясини енга оладиган бирдан-бир куч — одамлар, совет кишилари, улардаги жасурлик.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Кишиларнинг иродасидан, хоҳишидан ташқари табиий равишда юзага келадиган, идора қилиб бўлмайдиган қудратли ижтимоий ҳодиса. *Капиталистик рақобат стихияси. Ишлаб чиқариш стихияси.*

3 *кўчма* Кўр-кўрона, бебош ҳаракат қилувчи; уюштириб ва йўлга солиб бўлмайдиган ижтимоий куч. *Майда буржуа стихияси.*

**СТИХИЯЛИ** Кишиларнинг иродасидан, хоҳишидан ташқари табиий равишда юзага келадиган, идора қилиб бўлмайдиган. *Стихияли ижтимоий ҳаракат.* — 70—80 йиллардаги стихияли стачкалар ишчилар оммасини уйғотиб, онгли кураш олиб боришга тайёрлади. «КПСС тарихи».

**СТИХИЯЛИЛИК** стихияли с. белги оти. *Ҳаракатнинг стихиялилиги.*

**СТИХИЯЧИЛИК** Стихияли ҳаракат, бошбошдоқлик. *Стихиячиликни онглиликка айлантириш.*

**СТОЛ** [р] 1 Дастурхон тузаш ёки ишлаш учун белгиланган горизонтал тахталы баланд курси, мебель тури. *Тўғарақ стол. Тортомали стол. Иш*

столи. Овқат столи. Операция столи.  
— Келинг, келинг, Матқовул ака, қани бу ёққа,— деди Ғулможон... тўрдаги столага таклиф қилиб. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 қўйма с. т. Амал, лавозим. [Загаров:] Нимадан тап тортаман!.. Олса столини олади-да, артелимга бориб яна раислигимни қилаверман. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

3 Баъзи идораларнинг ёки идора бўлимларининг номи таркибига кирди, мас. паспорт столи, адрес столи.

**СТОЛБА** [р столб] Ерга тик ҳолатда ўрнатилган йўғон ёғоч, хода. *Электр тармоғи столбалари.* Чегара столбалари. — Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чошиб кетаётгандай. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**СТОМАТОЛОГ** [р] Стоматология бўйича мутахассис врач.

**СТОМАТОЛОГИК** [р стоматологический] Стоматологияга оид. *Стоматологик операция.*

**СТОМАТОЛОГИЯ** [р<грек] Медицинанинг оғиз бўшлиғи, тиш, жағ ва юз касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги бўлими.

**СТОП-КРАН** [р] Вагонларга ўрнатилган ва поездни дарҳол тўхтатиш зарурати туғилганда босиладиган ҳаво тормози ричағи.

**СТРАТЕГ** [р<грек] 1 ҳарб. Стратегияни яхши билладиган лашкарбоши, моҳир саркарда.

2 қўйма Ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш маҳоратини эгаллаган йўлбошчи; дохний.

**СТРАТЕГИК** [р стратегический] 1 Стратегияга оид. *Стратегик план.*

2 Урушнинг умумий мақсадларини амалга ошириш нуқтани назаридан аҳамиятга молик бўлган. *Стратегик ҳомашё. Стратегик қурилишлар.* — Бу тепаликдан туриб, дарё кўприкларини кузатиб туриш, ўққа тутиш мумкин. Бу жиҳатдан 119-тепалик жуда-жуда муҳим стратегик объект. И. Раҳим, Чин мухаббат. | Мустақил ҳаракат қиладиган йирик ҳарбий бўлинмаларга ёки бутун армияга оид. *Стратегик фронт. Стратегик авиация. Стратегик разведка.*

3 қўйма Умумий ёки асосий мақсадни амалга ошириш учун курашнинг муайян босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган. *Стратегик шиор.*

**СТРАТЕГИЯ** [р<грек] 1 ҳарб. Йирик ҳарбий операциялар ва умуман уруш олиб бориш санъати. *Яшин тезлигидаги уруш стратегияси.* | Уруш олиб бориш ҳақидаги фан. *Стратегия курси. Стратегиядан лекциялар.*

2 қўйма Ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати ва илми. *Революцион ҳаракат стратегияси.*

**СТРАТОСФАТ** [р] Стратосферага учиб учун белгиланган аэроатат; ҳаво шарчи.

**СТРАТОСФЕРА** [р<лат+грек] Атмосферанинг денгиз сатҳидан 9—11

километрдан то 40 километргача бўлган қатлами.

**СТРАХОВАНИЕ** [р] Табiiий офатдан зарар кўрган ёки бахтсизлик ҳодисаларига учраган киши ёхуд ташкилотларга, улар томонидан ой сари тўлаб туриладиган бадал ҳисобига ёрдам кўрсатиш, етган зарарни қоплаш формаларидан бири; суғурта. *Социал страхование. Мол-мулкни страхование қилмоқ.*

**СТРЕЛКА** [р] 1 Турли ўлчов ва контрол асбобларининг ўз ўқи атрофида айланиб ўлчанаётган нарса миқдорини кўрсатувчи ингичка учи найза ясси қисми. *Соат стрелкаси. Манометр стрелкаси.* — Очилнинг ҳислари ҳаракатдаги пўлатлар орасига тушиб қолган магнит стрелкасидай типраб у ёқдан бу ёққа бориб келар эди. П. Қодиров, Уч илди.

2 Шу шаклдаги чизик ёки белги. *Йўл кўрсатувчи стрелка.* — Хаританинг ҳар хил жойларида рангдор қаламлар билан белгилар, стрелкалар, рақамлар қўйилган эди. М. Муҳамедов, Одерга.

3 т. й. Темир йўлларда бир изни иккинчи изга улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Трамвай стрелкаси. Стрелкани бир издан иккинчи изга ўтказмоқ.*

**СТРЕЛКАЛИ** Стрелкаси бўлган. *Стрелкали гальванометр. Стрелкали чизик.*

**СТРЕЛКАЧИ** Темир йўл изларининг стрелкасини буриб турувчи ишчи. *Разъезд стрелкачиси.* — Бир куни бригада сменадан чиқиб келаётганда Иномжон улардан сурилиб, стрелкачи қиз Мўттихоннинг олдига қолди. С. Ахмад, Мўтти.

**СТРОНИЙ** [р<лат] Химиявий элемент, кумушсимон оқ енгил металл.

**СТРОФА** [р<грек] ад. Шеър банди. *Тўрт мисрали строфа.*

**СТРУКТУРА** [р<лат] Нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғли равишда жойлашиши; тузилиш, қурилиш. *Тупроқнинг структураси. Сўз структураси. Бошқаруш аппаратининг структураси.*

**СТРУКТУРАВИЙ** Структурага оид. *Структуравий анализ. Структуравий метод.*

**СТРУКТУРАЛИ** Муайян структурага, тузилишга эга бўлган. *Структурали тупроқ.*

**СТУДЕНТ** [р<лат] Олий ёки ўрта махсус ўқув юртининг ўқувчиси; талаба. *Институт студенти. Студент қиз.* — Бир гуруҳ юқори курс студентлари турайдиган бу уйда .. ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди. П. Қодиров, Уч илди.

**СТУДЕНТКА** [р] Студент қиз.

**СТУДЕНТЛИК** студент с. мавҳ. от. *Элмуроднинг студентлигида .. Мазковский ҳақида доклад қилганда фамилиясини билиб олган эди йеги. Шухрат, Шинелли йиллар. Студент-*

лик йиллари ихлол билан ўқидик. М. Қориев, Ойдин кечалар.

**СТУДИЯ** [р<итал] 1 Рассом ёки хайкалтарош ишхонаси.

2 Таълим-тарбия машғулоти амалий-ижодий иш билан биргаликда олиб бориладиган, актёр, созанда, рассом ва ш. к. тайёрлайдиган мактаб. *Балет студияси. Опера студияси.*

— Москвадаги ўзбек театр студияси ўқувчилари жиддий постановкалар тайёрлаган эдилар. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. | Рассом, артист ва ш. к.нинг маълум йўналишда ишловчи ижодий коллективи.

3 йн. киностудия. *Хужжатли фильмлар студияси.* — Фильмлар Тошкент студиясининг ўз ижодий кучлари билан ўз навбатида олиниб, ўз фабрикасида тайёрланади. Л. Файзиев, Ўзбекфильм маҳсулотларини кўздан кечирганда.

4 с. т. Радиостудия ёки телестудия.

5 Умуман сурат олиш, овоз ёзиш ва ш. к. мақсадлар учун жиҳозланган иш жойи. *Тошкентда яқинда грампластинкалар учун овоз ёзиб оладиган студия очилган эди. А. Пўлатов, Янги студияда.*

**СТУЛ** [р] Одатда суянциги бўладиган бир кишилик ўриндик; курси. *Салимбой катта гавдаси билан стулни қисирлатиб, йўғон гўштдор қўллари қордай оқ сурт тўшалган столага қўйди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**СТУН** [ф-т] Устун, столба. У [Марайим] ҳаши-паш дегунча стунга тирмашиб чиқиб, картонни эски деворий газетанинг устига михлаб тушди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Султон Муҳаммаднинг давлати стунлари чирган кўҳна бир иморатдир. М. Осим, Ўтпор.*

**СУБСТАНЦИЯ** [р<лат] филос. Бутун борлик ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси.

**СУБСТРАТ** [р<лат] филос. Турли-туман ҳодисаларнинг умумий асоси, ҳодисалар ўргасидаги умумийлик ёки ўхшашликнинг негизи.

**СУБТРОПИК** [р субтропический] Субтропикларга оид, хос. *Субтропик иқлим. Субтропик ўсимликлар.* — Бу водийда қардош қўллар биргаликда колхозларро санаторийлар, янги субтропик боғлар яратган экан. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

**СУБТРОПИКЛАР** Ер шарининг тропик зоналари билан мўътадил зоналари ўртасида жойлашган икки (шимлий ва жанубий) географик зона.

**СУБУТ** [а] Сўзнинг, ваъданинг ёки тутган ишининг ишончга сазоворлиги, тайинлиги; тайини, эътибор, бурд. *Субути йўқ одам.* — Иван қозғоздаги рапортни кўздан кечириб, ўрнидан сапчиб кетди: Ҳалиям-а? Субути борми ўзи? Ваъдаси шу буеунга эмасмиди? Х. Назир, Ўтлар туташганда. *Субутининг йўқ сенинг. Булар ишни расво қилганда, яна бошқа ёққа ўтиб олсан! А. Мухтор, Туғилиш.*

**СУБУТЛИ** Субутини, эътиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган; бурди бор, тайинли. *Пахта даласи — мардлар майдони, гапининг устидан чиқадиган, лафзи ҳалол, субутли одамлар, забардаст гвардиячилар майдони.* С. Абдуқажор, Қувондиқ.

**СУБУТЛИЛИ** (субутли с. белги оти. У [Раҳима] оз вақт ичида .. покизалилиги, субутлилиги билан халқни ўзига жалб этди. Уйғун, Н. Сафаров, Ранса.

**СУБУТСИЗ** Субутини йўқотган, ишониб бўлмайдиган; тайини, бурди йўқ, бетайин, бурдсиз. *Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.* Мақол. — Олимжон содда ва оқ кўнгли йиғит, сўзлари вазмин ҳам маъноли. У Анварга ўхшаган субутсиз эмас. Т. Расулов, Мархамат.

**СУБУТСИЗЛИК** субутсиз с. белги оти. *Темур афандининг субутсизлигидан ғижиниб айтди.* «Латифалар».

**СУБЪЕКТ** [р<лат] 1 филос. Идрок ва ирода эгаси, борлиқни билишга ва ўзгартиришга қодир шахс; тақ. объект. Билишнинг субъекти ва объекти.

2 айн. эга 2.

**СУБЪЕКТИВ** [р субъективный] 1 Бир шахснинг, субъектнинг ўзигагина хос, ўзигагина тегишли; шахсий. *Субъектив факторлар.* — *Логика қонунлари объектив нарсанинг киши субъектив онгида инъикос этишидир.* В. И. Ленин, Гегелнинг «Логика фани» китобининг конспекти.

2 Бир кишининг шахсий фикрига, қарашларига асосланган, бир тарафлама, бир томонлама, ғаразли. *Субъектив кечинмалар. Субъектив баҳо. Субъектив қарашлар.*

◆ **Субъектив идеализм** филос. идеалистик философиянинг икки асосий оқимидан бири; субъектив идеализм объектив мавжудотнинг субъектдан, киши онгидан ташқари, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлигини инкор этади; ҳис, тасаввур, индивидуал онгни бирдан-бир реаллик деб билади.

**СУБЪЕКТИВИЗМ** [р] 1 айн. субъектив идеализм қ. субъектив.

2 Буржуа социологиясида жамият объектив қонуниятлар асосида эмас, балки субъектив факторлар, яъни айрим шахсларнинг хохиши, иродаси ва ш. к. таъсирида ривожланади, деб даъво қилувчи идеалистик оқим.

3 Субъектив қараш, масалага ўз шахсий фикри, мулоҳазалари ёки манфаатлари нуқтан назаридан бир томонлама ёндошиш; ғаразғўйлик, субъективлик.

**СУБЪЕКТИВИСТ** [р] Субъективизм тарафдори (қ. субъективизм 1, 2).

**СУБЪЕКТИВИСТИК** [р субъективистский] Субъективистга ва субъективизмга оид, субъективизм руҳидаги. *Субъективистик қарашлар.*

**СУБЪЕКТИВЛИК** 1 субъектив с. белги оти. *Баҳонинг субъективлиги. Фикрининг субъективлиги.*

2 айн. субъективизм 3. *Илм-фанда субъективликка қарши кураш.*

**СУБҲ** [а] Эрта тонг пайти; сабоҳ, саҳар. *Тинмасур шаҳримизнинг Субҳида шунча овоз.* Ғ. Фулом. *Субҳ чоғида мазар чиққанда ёрим тўлганиб. Гул ёқасин чок этар, булбулда афюн қўзғалур.* Ҳабибий. *Субҳи козиб* (л. м. ёлғон тонг) тонготардан анча олдин, тонг ёрингандек тўйилдиган пайт. *Субҳи содиқ* (л. м. чин тонг) ҳақиқий тонготар пайти. *Вақт субҳи содиқ бўлган эди, малика чўшиб уйғониб кетди.* «Эртақлар».

**СУБҲИДАМ** [а+ф+т] Эрта тонг пайти; тонг, субҳ. *Субҳидамда турмоқ. Субҳидам чоғи.* — *Қандай гўзал бу тонг — субҳидам Жаранглайди ашула — оҳанг.* Э. Раҳим.

**СУБҲОН** [а] дин. Мақтов, мадхия; мадхлар. *Субҳон олло оллонинг мадхи; оллога мадхлар бўлсинки, ... [Уста Олим:] Субҳон олло! Қандай юрагингиз бор экан, Отабек! Қўлингиздан бошқа ерингизда жароҳат йўқми? А. Қодирий, Утган кунлар.*

**СУБҲОН** [ф+т<а] Урик навларидан бири. | Ундан солинган туршак номи.

**СУВ** 1 Водород билан кислороднинг химиявий бирикмасидан иборат тусиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буг ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организмларнинг ва кўпгина моддаларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. *Қор суви. Денгиз суви. Оқар сув. Турғун сув.* — *Зилол сувлар, эрам каби боғу бўстонлар, Менинг совғам қошоналар, олтин тупроқлар.* Ғайратий. *Сув бир дўконнинг остидан чиқиб, бу ҳовлида уч-тўрт қўлоч чамаси очиқ ҳавода оқар ва кўприк том остига кетар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Шундай суюқлик ичимлик сифатида. *Минерал сувлар.* — *Сув фақат ернинг қони, жонига эмас, .. электр энергияси манбаи ҳам.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Одамлар ташна, ер чанқок, юрт қақроқ эди. Ҳамма сув деб таллинар, ҳамма сувага интилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Жон** (ёки ҳаёт) суви 1) ҳаёт бағишловчи, ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилувчи сув. *Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви келтириш учун... курашга бордилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) *кўчма ҳаёт бағишловчи, жон, фэйз киритувчи нарса. Ташқарида бир қўша созаданлар дутор, танбур, ғижжасак, рубоб, най билан дунёга жон суви сепаб,— шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Сув йўли сув ҳавзаларидаги кемалар қатнайидиган йўл.* **Сув ичмоқ** 1) сув истеъмол қилмоқ. *От бошига иш тушса, сувлиги билан сув ичар, эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар.* Мақол; 2) сугорилмоқ. *Шолининг орқасидан курмак сув ичибди.* Мақол. — *Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқдан сув ичолмайди,*

*яна ариқдан тақир ичолмайди, яна азалидай қақраб ётаверади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сув сурмоқ** сугориш учун сувни бирор томонга йўналтирмоқ, йўналтириб олиб бормоқ. *У [Йўлчи] ер ҳайдади, чопиқ чопди, сув сурди, далага гўнг ташиди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Сув қўймоқ** сугориш учун сувнинг йўлини очмоқ, сугормоқ. *Экинга сув қўймоқ.* — *У [Йўлчи] бу ера олдин сув қўйиб, ер юмшагандан сўнг кавлаш кераклигини англаса ҳам, вақтни йўқотмаслик ва тоғанинг амридан чиқмаслик учун метин жонни кавлайверди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Соғ, кўл, дарё ва ш. к.нинг сувли сатҳи ҳақида. *Сув бўйи. Сувининг нариги бети. Сувнинг кўтариллиши.*

3 Тармева, сабзавот ва ш. к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик. *Анор суви. Сабзининг суви.* | Тирик организм ва органлардан ажралиб чиқадиган суюқлик, шира. *Ошқозон суви.* — [Ёрмат] *Тумов орқасида бурнидан тўтмосиз оққан сувини ҳам сезмайди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Оғзининг суви келди** ҳаваси келди. *Бақавул ичига қўйма тикқилган какликларни олиб ўтляпти.* «Бай-бай, мунча ҳиди яхши-я» — *деб ўйлади у [Темиртош], оғзининг суви келиб.* М. Осим, Утрор. | Умуман турли нарсалар таркибидаги намлик. *Суви қочган нон.* — *Латофатхон бегадни суви қочиб, шохида майиз бўлган кампирсимон бир хотин бўлса-чи? А. Қаҳҳор, Кўк конверт.*

4 *кўчма с. т.* Маза-матраси, шираси ёки жири йўқ (мева ёки овқат ҳақида). *Ковун қип-қизил сув чиқди. Бу шўрва эмас, шилдир сув.*

5 Қашғачилиқда тўғри ёки тўлқинсимон чизиқ шаклидаги гул элементи. *Суви оқ, гули турли қийиқча.*

6 эск. Ун танобга тенг ер ўлчов бирлиги. *Ҳар ўн таноб ер бир сув ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилар эди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сир.

7 Турли қўшма ва составли терминлар таркибига киради, мас. *сув бургут, сув илон, сув чечак, сув чумчуқ, сув ялғиз, сув қалампир.*

◆ **Сиркаси сув** кўтармайдиган одам қ. сирка 1. **Сув йўғида** тағяммун қ. тағяммун. **Сув текин** қ. текин. **Сув қоғоз** кунга, ёруққа солганда чинда сурати кўринадиган шаффоф қоғоз. *Қаримов юпқа сув қоғозга машинкада босилган узундан-узоқ хатни синчиклаб ўқий бошлади.* Ҳ. Шамс, Душман. **Сув бўлмоқ** 1) терлаб жиқ хўл бўлмоқ, терга ботмоқ. *Бемор иситмалаб, сув бўлиб ётибди;* 2) эриб сувдек бўлмоқ. *Темирчининг қўлида темир эриб сув бўлар.* Мақол. **Тағига сув кетди** тағи, замири бўшашди. *Бойлиқнинг тағига сув кетди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Анча** (ёки кўп, қанча-қанча) сувлар окди

кўп замонлар ўтиб кетди, анча вақт бўлди. Ҳа, қизим, ундан бўён қанча-қанча қорлар ёғди, қанча-қанча сувлар оқди, у вақтларда ёш эканмиз, фаросат оз экан, кўп-кўп камчиликлар ўтди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Сиргига сув юктирмайдиган (ёки юкмас) одам қ. сирт. Сув қилмоқ 1) зимдан ўзлаштирмақ, ўзлаштириб гумдон, йўқ қилмоқ. *Наврўзда дув-дув гап тарқалгандир: Саидхон колхознинг фалонча пулини гумдон қилиб қамалиб ётганмиш, писмадончи молни сув қилиб қўлга тушиб қолганмиш.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка; 2) мерида сиргача пухта эгалламоқ, беш қўлдай билиб, ёллаб олмақ. *Ун етти кун деганда [Мўминжоннинг] хати келди. Яна хати келгунча билмадим, неча марта ўқиб чиққаникинман уни. Худди сув қилиб юбордим.* К. Мақсумов, Мухаббат қўшиғи. Сув қилиб (сувдек) ичмоқ (ёки ичиб юбормоқ) айн. сув қилмоқ 2. Сув қуйгандек (тинч, жимжит) чурқ этган овоз йўқ, жимжит. *Навоийнинг уйи сув қуйгандек жимжит, ҳамма оёқ учида юрар, бир-бирлари билан шивирлашиб гапирришар эди.* М. Осим, Сехрли сўз. Тушингизни сувга айтнинг қ. туш. Сувга оқизмоқ (ёки ташламоқ) бехудага кеткизмоқ, совурмоқ, шамолга учирмоқ. *У [деҳқон] молини сотмади — сувга оқизди. Йўқ, сувга оқизгандан баттар бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Сувга тушган нондек бўшашмоқ жуда ҳам бўшашиб қолмоқ, ховридан тушмоқ. [Отабек] .. сувга тушган нондек бўкиб, бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай кета берадир. Ҳ. Кодирий, Утган кунлар. Сувга тушса қуруқ чиқади жуда қув, айёр, хар қандай мушкул вазиятдан сип-силлиқ қутулиб чиқади. Узини ўтга (ҳам), сувга (ҳам) урмоқ қ. ўт I. Сувга уриб кетмоқ зимзиё бўлиб кетмоқ, бедарак йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан.* А. Қаххор, Қўшчинор. Қўлини совуқ сувга урмайди қ. қўл. Сувда маза бор, бунда маза йўқ кест. жуда бемаза нарса ҳақида. *Галвирни сувдан кўтармоқ қ. галвир. Сувдай билмоқ (ёки ичмоқ, эзиб ичмоқ) жуда яхши билмоқ, чуқур, пухта билиб олмақ, эгалламоқ. [Эртўғон ота] сув илмин сувдай ичган Дарёларнинг султони. Қирқ колхозга сув сурган, Миробларнинг полвои. Қ. Мухаммадий. Сувдай сероб бўлинг ҳеч нарсдан камчилигингиз бўлмасин. Ут билан сувдай бир-бири билан сира ҳам келиша олмайдиган даражада зид, қарама-қарши, ит-мушук. Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**СУВАЛМОҚ** сувамоқ фл. мажх. н. Сувалган деворлар.

**СУВАМОҚ** I Лой, алебастр каби материаллар билан қоплаб силлиқламоқ; сувоқ қилмоқ. *Уйларни сувамоқ. Том сувамоқ. — Бўтабой .. баҳор ёмгирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади.* С. Ахмад, Хукм.

2 *қўйма салб.* Ошкор қилмай беки-тиб, тўғрилаб юбормоқ, текисламоқ хаспўшламоқ. *Қамчиликларни суваб ўтмоқ.*

**СУВАРАК** [ф-т] Қора ёки тўқ қўнғир рангли, узун мўйли ҳашарот тарақан.

**СУВАТМОҚ** сувамоқ I фл. орт. н. Уйларни алебастр билан суватмоқ, Том суватмоқ.

**СУВАТТИРМОҚ** суватмоқ фл. орт. н. **СУВАШМОҚ** сувамоқ фл. бирг. н.

**СУВДОН** I Қушларга сув бериладиган идиш. *Беданнинг сувдони. Сувдонларга сув қуймоқ. — [Жўра] «Хайрият, тирик экансан» деди-да, сувдон билан дон соладиган синиқ товоқчани олиб, ҳужрадан дон, ариқдан сув тўлдириб келиб товуғининг олдига қўйди.* Н. Назаров, Замон.

2 Ёнда олиб юрладиган сув идиш. *Бектемир сувдонни кўтариб, бир неча қултум ютди-да, яна пўки билан оғзини маҳкамлаб қўйди.* Ойбек, Қуёш қорамас.

3 Умуман сув солиб қўйиладиган идиш. *У ҳам сувга келган бўлса керак, оёғи остида сувдонлар бор.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**СУВЕНИР** [р<фр] Эсдалик учун белгиланган, эсдалик бўлиб қолган ёки қоладиган нарса, совға. *Сувенирлар магазини. Сувенир олмақ.*

**СУВЕРЁН** I [р<фр] Халқаро ҳуқуқда: мустақил олий ҳокимият эгаси.

**СУВЕРЁН** II [р суверенный] I Суверенитетга, мустақилликка эга бўлган; мустақил. *Суверен давлат.*

2 Олий ҳокимиятга эга бўлган, олий ҳокимиятни амалга оширувчи. *Суверен ҳоким. — СССР Конституциясининг 14-моддасига (дохил) бўлмаган ишларда ЎзССР ўзининг суверен ҳуқуқларини тўла равишда сақлаб, давлат ҳокимиятини мустақил суратда амалга оширади. «ЎзССР Конституцияси».*

**СУВЕРЕНИТЁТ** [р<фр] Халқаро ҳуқуқда: давлатнинг ички ва ташқи ишларини олиб боришда тўла мустақиллиги. *Совет ҳуқуқати ҳамма мамлакатларнинг суверенитетини эъзозлайди.*

**СУВЕРЕНЛИК** суверен II с. белги оти. *Оманинг феодал гафлатидан уйғониши, унинг суверенлиги учун, миллат суверенлиги учун, ҳар қандай миллий зулмага қарши кураши прогрессивдир.* В. И. Ленин, Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.

**СУВИР** диал. Суғур.

**СУВЛАМОҚ** I Сув билан хўлламоқ, намламоқ. *Латтани суваб этик артмоқ.*

2 диал. Сув ичмоқ. *Булар шу Чилбир чўлида, Ойна кўлида қўниб, сув-*

лаб, моллари ўтлаб ётаверсин. «Ал-помиш».

**СУВЛАНМОҚ** I сувламоқ I фл. мажх. н. Сувланган латта.

2 Сув очмоқ, сув олмоқ. *Гулноз [олмани] .. фарчиллатиб тишлади, нордонгина экан, оғзи сувланиб, кўзи чарақлади.* Х. Гулом, Тошкентликлар.

**СУВЛАТМОҚ** сувламоқ 2 фл. орт. н. *Кўнғиротнинг бир уруғи Бойсундан кўчиб, Аймоқ чегарасига келиб .. қатор уйни тикиб, молни ўтлатиб, сувлатиб, гўшт еб, қимиз ичиб ётди.* «Ёдгор».

**СУВЛИ** I Ичди суви бор. *Суви идиши. — Қудрат қўлидаги суви челак билан мункиди, лекин йиқилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бўйи этган қиз боланинг юрагидай жўш уриб турган зилол суви булоқни Кўзеши булоқ деб атаганлари қизиқ?* С. Анорбоев, Оқсой. I Таркибида суви бўлган. *Суви эритма.*

2 Суви, шираси кўп, серсув, сершира. *Суви шафтоли. Суви мевалар.*

3 Сув билан таъмин этилган, суғориладиган. *Суви ерлар.*

**СУВЛИҚ** с. т. Сувлуқ.

**СУВЛЮК** Дарё ва умуман сув ҳавзаларининг ҳайвонлар, моллар сув ичадиган жойи. *Молларни сувлоқда суғормоқ.*

**СУВЛҮК** Юганинг от оғзига солинадиган металл қисми. *Оғзига сувлук солиб олмақ* жилволаб олмақ, бўйсундирмоқ. *Оғзига сувлук солиб олганимдан сўнг изимга юрмай кўрсин-чи!* С. Анорбоев, Оқсой.

**СУВОРИ** [ф-т] I От минган киши; отлик. *Алим бува билан Ҳасан сўфи дарров настега қарашди. У ерда, оломон орасида бир неча сувори отлардан тушаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Исмоил Сомоний мақбараси томонидан қизил байроқча кўтарилди. Қандайдир сувори уни ҳавода силқиб қоллади — ҳужумга сигнал.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 муз. Халқ қуйларидан биринчи номи.

**СУВОСТИ** I Сув остида қилинадиган, бажариладиган. *Сувошти ишлар.*

2 Сув остида ҳаракат қиладиган (кема ҳақида).

**СУВОТ** диал. Мол, от суғориладиган ёки ювиладиган жой. *От сувот. — Қўзиларни тушда сувотга олиб бориб ювамиз.* Н. Фозилов, Иншо.

**СУВОҚ** Суваш ва унинг натижасида ҳосил бўлган қатлам. *Лой сувоқ. Сомон сувоқ. Қум сувоқ. Сувоқ қилмоқ. — Топанинг талай ҳиссаси кўнанинг бу бетидеги янги биноларнинг хом ғишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжларига ишлатилиб, бир нимтаси олинган туядек кўринишга келиб қолган.* А. Кодирий, Обид кетмон.

**СУВОҚСИЗ** Сувоғи йўқ, сувалмаган. *Сувоқсиз уй. — Мана шофёр кўрсатган уй: хом ғишдан қурилиб, деворлари сувоқсиз, томи чала ёпилган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**СУВОҚЧИ** Сувоқ қилувчи уста.

*Қўли гул сувоқчилар.* || Сувоқчи йиғит.  
— Эреши .. бир камбағал сувоқчининг ўғли бўлиб, катта бир бойнинг молларини боқаркан. П. Турсун, Ўқитувчи.

**СУВОҚЧИЛИК** сувоқчи с. касб оти. Сувоқчилик қилмоқ. Сувоқчиликни ўрганмоқ. — Исломжонга сувоқчилик ота касб. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**СУВНИЕЗ** Серсун, ботқоқли жойларда ўсадиган ўсимлик.

**СУВРАНГ** Тоғ-адирларда ўсадиган кўп йиллик қиёқсимон ўт.

**СУВСАМОҚ** Сувга ташна бўлмоқ, чанқамоқ, чўлламоқ. Сувсаган чўллар. Отни кўрса — оқсайди, сувни кўрса — сусайди. Мақол.

**СУВСАР** Қимматбаҳо мўйнали йиртқиқ сутэмизувчиларнинг бир тури. Сувсар териси. Тош сувсар сувсарнинг тоғли жойларда яшайдиган тури. | Шу ҳайвоннинг майн бароқ териси, мўйнаси. Сувсар телпак.

**СУВСАТМОҚ** сувсамоқ фл. орт. н. Сувсатадиган овқат. Ғўзаларни сувсатиб суғормоқ.

**СУВСИЗ** 1 Ичида суви йўқ. Сувсиз идиш. | Таркибида суви йўқ. Сувсиз кислота.

2 Сув билан таъмин этилмаган, сув чиқарилмаган. Сувсиз районлар.

3 Суви, шираси кам. Сувсиз беҳи.

**СУВСИРАМОҚ** Сувга жуда ҳам ташна бўлмоқ, сувга ташналикдан қуришмоқ, қақрамоқ. Сувсираган ғўзалар.

**СУВСОҚ** Сувга ташна, сувсираган; чанқоқ. Сувсоқ ерлар. Сувсоқ ғўзалар. — [Тўғонбек] Осиё чўлларининг жаҳаннам ёнгинига, қум тўлқинларига чидаш бериб, оч, сувсоқ кезини машаққат ҳисобламас эди. Ойбек, Навоий.

**СУВСОҚЛИК** сувсоқ с. белги оти.

**СУВХҲҲ** Сувни кўп ичадиган. Сувхўр мол.

**СУВЧИ** 1 қ. х. Экинларни, хусусан, ғўзаларни суғорувчи омилкор дехқон, суғориш бўйича мутахассис. Моҳир сувчи. — Сувчи кезар шўх қўшиқ куйлаб, Ғўзаларга бериб куч, мадад. Ғайратий.

2 Сув келтирувчи, сув билан таъмин этиб турувчи ходим (мас., тракторчилар бригадасида).

3 Сув сотувчи.

4 Сувда қутқариш ишлари олиб борувчи.

**СУВЧИЛИК** сувчи с. касб оти. Сувчилик қилмоқ. — У [Тождиддин] сувчиликнинг сувини ичиб юрган одам. А. Абдукаримов, Чўл бургути.

**СУВҮТ** Сувда ўсадиган турли ўтларнинг умумий номи. Қизил сувўтлар. Яшил сувўтлар.

**СУВҚОВОҚ** 1 Ғўшти ўйиб ташлаиб, қобиғидан идиш сифатида фойдаланиладиган қовоқ. Ним татиб шабана, шабнам, бедана, Чайлага ўрма-лаб чиққан сувоқовоқ. Ғ. Ғуллом.

2 Шундай қовоқ қобиғидан ясалган сув, дон сақланадиган идиш. Унда

[чайлада] яқинда .. Суюм ога ўзи орқалаб келган ола хўржун, бир чети синиқ сопол коса, сувоқовоқ турарди. Н. Фозилов, Оқим.

**СУД** 1 [р] 1 Гражданиларнинг даъволарига оид ёки жиноий ишларни кўриб тегишли ҳукм чиқарувчи давлат органи. Олий суд. Халқ суди. Суд қарори. Суд ҳукми. Суд органлари. Судга бермоқ. — [Қосимжон:] Ўртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар! Тегишли жазосини кўрсин. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. | Шундай орган жойлашган бино, хона, жой. Судга бермоқ. — Сидиқжон ўзини қаерга қўйишини билмай, судга кирди. А. Қахҳор, Қўшчинор. | Шундай орган ходимлари ёки судьялар ҳайъати. Суд мажлиси. Ўрнинишдан туринглар, суд келаётир! — Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир сувоҳнинг номини айтганда, Шарофат рўмолининг учини тишлаб донг қотиб қолди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Гражданилик ёки жиноий ишнинг шундай органида кўрилиши. Намунали суд. Суд бошланди. Судда ютиб чиқмоқ. — Суд ўн бешинчи майда бўлиши керак эди. Шу кунни Сидиқжон судда нима дейишдан ҳам кўра Шарофатга рўпара бўлиши кўпроқ ўйлаб хўп ясанди. А. Қахҳор, Қўшчинор. **ЎРТОҚЛИК** суди жамоат тартибининг бузувчиларни тартибга чақириб, айрим шахсларнинг хулқ-атворини муҳокама қилиб, уларга нисбатан чора кўриш учун тузиладиган жамоат органи.

**СУД** II [ф-т] I эск. Фойда, наф. Энди суд қилмасдир ғаму ҳасратинга, Билгин, айдош бўлди доғу кулфатинга. «Эрали ва Шерали».

2 Судхўрлар томонидан қарзга берилган пул эвазига олинадиган процент.

**СУДБОЗ** [р+ф-т] с. т. Бўлар-бўлмас ишлар билан судга мурожаат қилаверадиган, судбозликни, судлашишни яхши кўрадиган; қозибоз. Судбоз одам.

**СУДБОЗЛИК** с. т. Бўлар-бўлмас ишлар билан судга мурожаат қилавериш, судлашиш; қозибозлик. Судбозлик қилиб юрмоқ.

**СУДЛАМОҚ** Белгиланган тартибда гражданилик ёки жиноий ишни судда кўрмоқ; суд қилмоқ.

**СУДЛАНГАНЛИК** юр. Суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлик. Судланганлигини олиб ташламоқ.

**СУДЛАНМОҚ** Суд қилинмоқ; судда жиноий жавобгарликка тортилмоқ.

**СУДЛАНУВЧИ** 1 судланмоқ фл. ш. оти.

2 юр. Судда иши кўрилаётган шахс.

**СУДЛАШМОҚ** Суд орқали даъволашмоқ, даъволашиб бир-бирини судга бермоқ. Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қаршибой] бир парча ғўшт бўлиб дунёга келанидан бери иссиқ бағрида иситиб ўстирган ота-

сини судлашиб даражасигача етказди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**СУДЛОВ** Маълум тартибда гражданилик ёки жиноий ишни судда кўриш; шундай ишларнинг судда кўрилиши. Одил совет судлови. Судлов процесси. Судлов (иши) практикаси.

**СУДМАНД** [ф-т] эск. Фойда келтирадиган, фойдали, нафли.

**СУДРАЛИШМОҚ** судралмоқ 3 фл. бирг. н.

**СУДРАЛМОҚ** 1 судрамоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Узун этакларнинг ерда судралиши. — Оёғим шидан чиқса, судралиб бўлса ҳам, қошингизга келиб тураман. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўчма Орқад қолмоқ, кечикмоқ, чўзилмоқ. Ишнинг судралиши. Курилишининг судралиши. — Қолхоз тинчишига тинчиди-ю, кўклам иши ниҳоятда судралди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 Имиллаб юрмоқ, секин бормоқ, имиллаб юриб ёки сусткашлик қилиб кейинда қолмоқ. Охири ўринда судралиб бормоқ. — [Мели улаён] ҳамманинг астойдил кетмон уяётганини кўриб мамнун бўлди. Энг четдаги Мўйин қитишиқнинг судраляётгани унинг ғашига тезди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин граждан аҳоли: оёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ Судралиб юрувчилар айн. судралувчилар қ. судралувчи 2. Гавдаси ерда судралиб юрганлиги учун калтакесак ва унга ўхшаш ҳайвонлар судралиб юрувчилар деб аталади. «Зоология».

**СУДРАЛУВЧИ** 1 судралмоқ фл. ш. оти.

2 (асосан кўпл. ф-да) зоол. Ерда гавдаси судралиб юрувчи ҳайвонлар (илон, калтакесак, тинмоҳ ва ш. к.).

**СУДРАМОҚ** 1 Ердан узмай, кўтармай сирпантириб тортмоқ, сургамоқ. Ходаларни судрамоқ. Этакларини ерда судраб юрмоқ. Юкларни машинадан судраб тиширмоқ. — [Ғулможон] қиз ёнидан шох судраб ўтаётганида наст, жуда ҳам наст товуш билан ишпиди: — Ҳаётхон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Узоқда машхўр пулемётчи Абдуллаев, унинг орқасидан Асқар полвон пулемётни судраб борарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Эшелон бошлигининг сигналидан кейин паровоз буғ чиқариб, чўзиқ гудок берди-да, катта қизил составни судраб кетди. Й. Рахим, Чин муҳаббат. Оёғини судраб босмоқ (ёки юрмоқ) оёғини зўр-базўр босиб секин-аста юрмоқ, судралмоқ. Степан оёғини судраб юришга дармони бўлмаса ҳам, бир яшиқ ўқни кўтариб чиқиб, хузур билан денгиз тўлқинига улоқтирди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Зўр билан бирор томонга тортмоқ, ундамоқ. Бошим қотиб райондаги чойхонада чой ичиб ўтирсам, Матқовул пайдо бўлди. Мени уйига суд-

ровди, бормадим. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Дод-фарёдимаг қулоқ солмай, дадам қўлимдан судраб уйга олиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 с. т. Ама-тақал қилиб кийиб юрмоқ. Узини биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, шидан бошим чиқмайди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки бўлмади. Ҳали ҳам қиш-ёз битта чорикни судрайман. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 қўча Пайсалга солиб ёки сусткашлик қилиб орқага чўзмоқ, кечиктирмоқ. Ишни судрамоқ.

◆ Чорингни судра! юришингни қил!, ишингни қил!, туёғингни шиқиллат!

**СУДРАТМА I** Тортиб, судраб юриладиган; тиркама. Судратма арава.

2 тар. Одамга сиртмоқ солиб отда судраш йўли билан жазолаш, қатл қилиш усули. Тошкент оломонининг талаблари билан Азизбекнинг икки оғидан арқон билан боғлаб, отнинг човига судратма қилдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**СУДРАТМОҚ** судрамоқ фл. орт. н. Аравани судратмоқ. ■ Салтиковнинг ўзи икки қўл пулемётини судратиб дўғликларга қўндирди ва улардан бирининг ёнига ётиб олди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

**СУДРАШМОҚ I** судрамоқ фл. бирг. н. Семён билан Лўли .. мени судрашмади-ю, икки йилдан маҳкам ушлашди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Бир-бирини судраб, биргалашиб юрмоқ; бирга санқимоқ, дайдимоқ. Эланганга, ёлборганга бўмади, Уларман судрашиб юрган кунларим. «Фольклор».

**СУДХҲҮР** [ф-т] 1 Пул қарз бериб, проценти, фойдаси ҳисобига бойлик орттирувчи шахс. Ие, худо ёмон судххўр чиқди-ку, ҳали пулни бермасдан, дарров фойдасини қистайдими? «Латифалар».

2 Умуман фойдахўр, эксплуататор. Сатин бойвачча каби судххўрлар [бу йиғитни] хўп алдаб ишлатадилар. Ҳ. Шамс, Душман.

**СУДХҲҮРЛИК** судххў) с. мавҳ. от. Судххўрлик қаптали. Судххўрлик қилмоқ. ■ Унинг ёмон ишлари ҳам кўп эди .. судххўрликда жуда инсофсизлик қилар эди. Юз сўмни бир ойда юз иширма сўмга фойдага қўярди. Айний, Қуллар.

**СУДЬЯ** [р] 1 Суд органларида судга тушган ишларни кўрувчи ва шу ишлар бўйича ҳукм чиқарувчи лавозимли киши.

2 Мусобақа ва спорт ўйинларида ҳакамлик қилувчи; ҳакам.

**СУДЬЯЛИК** судья с. касб оти. Судьялик қилмоқ. Судьяликка сайламоқ.

**СУЁҒЛИК** Суяб қўйилган, суялган, суянган. ■ [Отабек] жони ҳалқумига тиқилиб теварагига аланалади ва йўлакдан нарироқда уста Олимнинг деворига суёғлик турган замбала кўзи тушиди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**СУЗАҒОН I** Тез ва яхши сузадиган, сузишга уста. Сузағон бола.

**СУЗАҒОН II** Дуч келганни сузаверадиған; сузонғич, асов. Сутсиз сиғир сузагон бўлар. Мақол. ■ У [Полван ота] моллардан қайсиси сузагон-у, қайсиси қочагон .. бир қарашдаёқ пайқарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**СУЗГИЧ I** Сууюқликларни механик аралашмалардан тозаловчи мослама; филтёр. Сутни сузгичдан ўтказмоқ.

**СУЗГИЧ II I** Сув юзида ва умуман сууюқлик бетида сузувчи, турли мақсадлар учун белгиланган енгил нарса, деталь; қалқович. Қармоқ сузгичи. Қарбюратор сузгичи. Сув йўлини кўрсатувчи сузгичлар.

2 Балиқ ва бошқа сув ҳайвонларининг сувда сузиш (ҳаракат этиш) органи. Балиқнинг қўйруқ сузгичи.

**СУЗГИЧ III** Сувда жуда тез сузиб юрадиган кўнғизсимон жонивор, сув кўнғизи. Сув ниҳоятда соф; офтоб нурида живир-живир товланувчи майда шағал юзида кичкина балиқлар сайр қилади, гир-гир сузгичлар айланади. Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

**СУЗГИЧЛИ** Сузгичи бўлган. Сузгичли жониворлар. Сузгичли камера. Пўкак сузгичли қармоқ.

**СУЗГУН** айн. сузик. Сузгун кўзлар. ■ Кечалар аста-аста Юзин очар, Дилхаста Ой ила олтин юлдуз, Сузгун боқар, бирпаста. Ҳ. Олимжон.

**СУЗДИРМОҚ I** сузмоқ I фл. орт. н. Сутни суздирмоқ. Ошни косаларга суздирмоқ.

**СУЗДИРМОҚ II** сузмоқ II фл. орт. н. Болаларни бассейнда суздирмоқ.

**СУЗДИРМОҚ III** сузмоқ III фл. орт. н. Кўчқорларни бир-бирига суздириб уруштирмоқ.

**СУЗИЛИШМОҚ** сузилмоқ 3 фл. бирг. н.

**СУЗИЛМОҚ I** сузмоқ I фл. мажҳ. н. Анор суви тоза докадан ўтказиб сузилди. Овқат сузилди. Карта сузилди.

■ [Хотин] уйга бир-икки қатнаб сузилган шўрваларни ташиб битиргач, уйнинг эшигини беқлади-да, кириб кетди. А. Қодирий, Утган кунлар. Биз лойқа сув ичмаймиз Ҳовуз, ариқ, анҳордан. Шишадек тозаланган, Сузилиб сув омбордан. Қ. Муҳаммадий.

2 Эскириб, тўзиб йиртилга бошламоқ; ситилмоқ. Битта пишиқроқ кўйлак ҳам олсанг бўларди ўзинга .. анов ювилган кўйлагининг елкалари сузилиб қопти. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Андиша ёки ноз билан ўзини сиполикка солиб, тортиниб турмоқ. Мана, қуймоқ ҳам совиб қоляпти .. Хотинларга ўхшаб сузилверма. Мирмуҳсин, Умид.

◆ Кўзи сузилди 1) уйқу босиб ёки хумор тутиб кўзи қисилди. Қиз яна анчагача хаёл суриб ётди. Ниҳоят, бу кунги серҳалжон воқеалар анча чарчатаён эканми, кўзи сузилди. Ф. Музажон, Ҳури; 2) ноз-ишва билан кўз-

лари ярим юмилди. Ғунажиннинг кўзи сузилмаса, буқа ипини узмайди. Мақол.

**СУЗИЛТИРМОҚ** сузилмоқ 1, 3 фл. орт. н.

◆ Кўзларини сузилтирмоқ ноз-ишва билан кўзларини ярим юммоқ. [Солиҳбой] «оппоқ қизим, ширин қизим .. дўндиқ қизим!» дея кўзини Жамилага сузилтиради. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**СУЗИШМОҚ I** сузмоқ I фл. бирг. н. Овқатни сузишди. Сутларни сузишди.

**СУЗИШМОҚ II** сузмоқ II фл. бирг. н. **СУЗИШМОҚ III** сузмоқ III фл.

бирг. н. «Кўчқорлар» энди сузиша бошлаган эди, аввал пучуқ бола, сўнгера сариқ бола бошида узун таёқ ўйнаб, «шақ-шақ» этган товуш эшитилиб қолди. П. Турсун, Уқитувчи.

**СУЗИШТИРМОҚ I** сузишмоқ II фл. орт. н. Командаларни ким ўзишга сузиштирмоқ.

**СУЗИШТИРМОҚ II** сузишмоқ III фл. орт. н. Кўчқорларни сузиштирмоқ.

**СУЗМА** Халтага солиб осиб кўйиб сузилган қатикдан ҳосил бўлган маҳсулот. Ёғли сузма. || Сузма қурт. Сузма халта. ■ [Шум бола:] Наҳорликка қушлар яна қатик ишиди, тушлик нонуштаси учун сузма бермоқчи эдим, чунки бечора қушлар жуда ҳам ёвғонсираб кетди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**СУЗМОҚ I I** Сузғич ёки бошқа бирор нарса орқали ўтказиб, механик аралашмалардан тозаламоқ. Бензинни машина бакига сузиб солмоқ. | Сууюқ нарсаларнинг керакли қисмини ажратиб олмақ. Сирка сузмоқ. Сузиб сутнинг қаймоғини олмақ. ■ У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб инади, гўштини ейди, менга тақир суяк, бир коса жирсиз сув келтиради. Ойбек, Қутлуғ қон. Инсоф юзасидан айтганда, пашша ярамас махлуқ .. токиза қилиб сузиб қўйилган кўкнордан қаноти чиқади. А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Тайёр овқат ёки ичимликни ейладиган ёки ичиладиган идишларга тақсимлаб солмоқ. Қосаларга шўрва сузмоқ. ■ Гулноз ош сузишга чиқиб кетди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Қодиров пинагини бузмай чой сузишда давом қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Қарталарни ўйновчиларга бўлиб бермоқ.

◆ Кўз сузмоқ ноз-ишва билан кўз қисмоқ, кўзларини ярим юммоқ, юминқирамоқ. Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди. Мақол.

**СУЗМОҚ II I** Қўл-оёқ ёки сузгичларини қимирлағиб сувда турмоқ ёки бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. Оқимга қарши қулоқ отиб сузмоқ. Қурбақча сузмоқ. Чалқанчасига сузмоқ. ■ Терак тағидан шолпоя бўйлаб йўл бор. Чирчиққа тик чиқади. Дардан сузиб ўтаммиз. Ҳ. Ғулом, Машъ-



ал. *Балиқ сувда сузади, сувда ухлайди. Ман ҳам савдода сузиб, савдода ухла-сам ажаб эмас.* Ойбек, Кутлуг қон. | Сув транспорти воситаларида юрмоқ, сайр ёки сафар қилмоқ. *Қайиқда суз-моқ. Кемада сузиб денгиздан ўтмоқ.*

2 Сууюқлик ёки газ бетига қалқиб турмоқ ёки оқмоқ. *Итарувчи куч жисм оғирлигига тенг бўлганда жисм сууюқликнинг юзида ёки ичида сузиб юради.* «Физика». *Суст оққан сувда ҳар хил буюмлар сузарди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Қирлар оша, тўлқинлар оша, Кема сузиб, қалқиб боради.* Э. Раҳим.

3 *қўйма* Бир маромда текис хара-кат қилмоқ, кезмоқ, оқмоқ. *Хаёл денгизда сузмоқ.* — *Гўзал оқиом, Ой, юлдуз сузар.* Зулфия. *Ям-яшил адирлар устида пастак булутлар .. енгил сузади.* С. Аҳмад, Хукм. *Кенг далада кўрак йиғадиган машина сузиб юради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**СУЗМОҚ** III Шохи билан урмоқ, шохини санчмоқ. *Эшакка мугуз бит-са, эгасини сузади, туяга қанот битса, томинени бузади.* Мақол. — *Ҳа, асов сигирнинг феълини билмасанг, олдига йўлатмайди — сузади, тепади, сут бермайди.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

♦ **Ер сузмоқ** ерга тикилиб қолмоқ, ердан кўзни узмай ўтирмоқ ёки бор-моқ. *Дилдор Низомжонни кўриб секин ишийпондан тушди-да, ер сузганча ариқ томонга ўтиб кетмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Пул(ни) сузиб олади** ердан супуриб олгандай пул топади, катта пул, фойда олади. *Шу давр ичида қўш-мачи ҳожи пулни сузиб олди — шинам хужрасидан меҳмон аримади.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

**СУЗОНҒИЧ** айн. сузагон II. *Сузон-ғич сиеир.* — [Фазлиддин:] *«Илгар ювошгина кўзи эди, аскарликка борди-ю, айниб, сузонғич кўчқор бўлиб қай-тибди».* С. Анорбоев, Оқсой.

**СУЗУВЧИ** I сузмоқ I фл. ш. оти. *Овқат сузувчи. Карта сузувчи.*

**СУЗУВЧИ** II сузмоқ II фл. ш. оти. *Сузувчилар мусобақаси.* — *Бўлай де-санг бобгон. Ё денгизда сузувчи, Ни-майки, қилсанг тилак, Барига ўқши керак.* Қ. Муҳаммадий.

**СУЗУК** Уйқусираб, хумор тутиб ёки ноз-ишва билан қисилган, юми-линқираган, хумор (кўз ҳақида). — *Вой, асим қурсин! — деди [Лобар], эрига сузук шахло кўзлари билан ку-либ қараркан.* Х. Ғулом, Тошкент-ликлар. || *Кўлимда энг қиммат узуг-им бўлса, Ундан ҳам қимматроқ кўзи сузугим.* Ғ. Ғулом.

**СУИСТЕЪМОЛ** [а] Ўз манфаати учун йўл қўйилганидан ортинча фой-даланиш. *Халқ контроли органлари-нинг вазифаси суистеъмолларнинг ол-дини олишдир.* — *Сиз ўз мансабни-егини суистеъмол қилиб, олти ектар ердаги ғўзага трактор солиб юбориб-сиз.* И. Раҳим, Ихлос.

**СУЙКАСД** [а] Қимсани йўқ қи-

лиш, ўлдириш учун қилинган хара-кат, қасд. *Суиқасднинг олдини олмоқ. Суиқасд қилмоқ. Суиқасд йўлига ўт-моқ.* — *Емонлар суиқасдидан саломат қутулишингиз муборак бўлсин!* А. Қо-дирий, Утган кунлар.

**СУЙКАСДЧИ** Суиқасд қилган ёки суиқасд йўлини тутган киши.

**СУЙКАЛИШМОҚ** суйқалмоқ фл. бирг. н. *Болалар роса деворга суйка-лишибди. Бир-бирига суйқалишмоқ.*

**СУЙКАЛМОҚ** суйқалмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Деворга суйқалмоқ. Суй-маганга суйқалма.* Мақол. — [Раъно:] *Бировларга суйқалиб эмас, ҳар ким ўз меҳнати, таланти билан обрў олиши керак.* Мирмуҳсин, Умид.

**СУЙҚАМОҚ** Сурқамоқ, суртмоқ. *Бетига ула-элик суйқамоқ.*

**СУЙКАНМОҚ** суйқалмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

**СУЙМОҚ** с. т. I Яхши кўрмоқ, севмоқ. *Ҳақ суйган ишни халқ суяр.* Мақол. — *Қаймоқ косанинг тагига тегадиган бўлиб қолганда Мараҳим хабар қилди: — Ана қайнанаси суй-маган ҳам келди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 Эрқаламоқ, эрқалатмоқ. — *Мени-ям шу мактабда .. ўқитасизми? — Албатта, албатта, — деди Элмурод қизни суйиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**СУЙРИ** Ташқи шакли балиқ сирти сингари секин-аста, равон ўзгариб борадиган, ўз ҳаракатида мухитнинг энг кам қаршилигига учрайдиган. *Суй-ри вагон. Суйри қанотлар (ав).* — *Оқ-қизғиш ёноқларида майда кулгич-лар. Бурни суйри бўлиб боран-у, учи бир оз эгилиб, эркакча «қушбу-рун» бўлиб қолган.* П. Қодиров, Уч илди.

**СУКУН** [а] Араб ёзувида: ёпиқ бўғин охиридаги ундош устига қў-йилладиган диакритик белги.

**СУКУНАТ** [а] Чурқ этган товуш йўқлиги; жим-житлик, сокинлик. *Сут-дек ойдин кеча. Борлиқ уйқуда. Ўр-монда қушларгина бедор. Улар аҳён-аҳёнда сайраб қанот қоқар, кеча су-кунатини бузар эди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. | *Сукут, сўзсизлик. Орага чуқур сукунат тушди. Залда бир нафас сукунат ҳукм сурди.* — *Жа-молиддин шукҳ қилиб сукунатга кет-ди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СУКУНАТЛИ** Сукунатга чўккан, сукут босган, сокин, жимжит. *Суку-натли кеча.* — *Жўра қишлоққа ет-ганда қуёш ботиб, кечанинг сукунатли қора тўрлари дала устини қоплаган эди.* Х. Шамс, Душман.

**СУКУТ** [а] I Қимсадан ёки ҳеч қимдан чурқ этган товуш, садо чиқмай жимлик ҳукм сурган ҳолат; сўзсизлик. *Сукут қилмоқ. Сукут сақламоқ. Су-кутга кетмоқ (ботмоқ, чўтмоқ).* *Су-кут — аломати ризо.* Мақол. *Аҳмоққа жавоб — сукут.* Мақол. — *Қизларнинг сукути Эргашни ҳайратга солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Отабек ҳа-мон сукутда, Ўзбек ойим бўлса, боши*

билан «шундоғ» ишорасини берар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Гуландом бир оз сукутдан сўнг давом этди.* Ой-бек, Кутлуг қон.

2 айн. **СУКУНАТ** I. *Кўнанинг икки то-монида бўғот томли, қинғир-қийшиқ хароб уйлар .. оқиом қоронғисига дард-ли манзара ясади, сафолатдан, йўқчи-ликдан кўрқинч сукутга чўқади, қорон-ғида аста-аста эриб йўқолади.* Ойбек, Кутлуг қон.

**СУҚЧАК** Курт боқиш учун қурил-ган, одатда бир неча қаватли махсус стеллаж.

**СУЛАЙМОҚ** Ҳолдан тойиб шалпайиб қолмоқ, шилқ этиб тушмоқ. *Онликдан сулаймоқ. Чарчаб сулайиб қолмоқ.* — *Хон тарафдан .. ишбоши қилиб бел-гиланган сарқорлар, [уларнинг] очлик дармонсизлигини ялқовлик ҳисоблаб, .. сулайиб йиқилмагунчи кетмонни таш-латмас эдилар.* А. Қодирий, Мехроб-дан чаён.

**СУЛАЙТИРМОҚ** сулаймоқ фл. орт. н. *Иссиқ одамларни сулайтириб қўйди.*

— *Босмачи йигит Жамиланинг онаси-ни уриб сулайтириб ташлади.* Ғайра-тий, Унутилмас кунлар.

**СУЛГИ** диал. Лунги, сочиқ.

**СУЛИ** Ем учун экиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи.

**СУЛИШ** кам қўлл. Нафас, тин. *Су-лиш олмоқ.* — *Шоир бир сулиш олиб, танбурни тоқчага тираб қўйди.* Ой-бек, Навоий.

**СУЛЛА** диал. айн. суллоҳ. *Буни ҳайданг, баччагарни, Мулла деган сулла шу! Ҳамза.*

**СУЛЛОҲ** [а] Ўтакетган хира, сур-бет, шилқим. *Қандай суллоҳ одам у? Ейдиганини еб кетди! Яна нима дейди!* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Ис-чиқар-ган ерда ҳозир мисли шайтон ҳамта-бақ, Қанча сўксанг шунча шилқим: турфа суллоҳ баччагар.* Муқимий.

**СУЛЛОҲЛИК** суллоҳ с. белги оти. *Суллоҳлик билан олмоқ. Суллоҳлик қилмоқ.*

**СУЛОЛА** [а] I Бир авлоддан тарқа-либ ворислик, валнаҳдлик ҳуқуқига асосан бирин-кетин тахтга ўтирган подшоҳлар, амирлар, хонлар ва ш. к; династия. *Сомонийлар сулоласи. Рома-новлар сулоласи.* — *Бадиуззамон, Те-мур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби, шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўя-ди.* Ойбек, Навоий.

2 Авлод, насл.

**СУЛТОН** [а] Баъзи шарқ мамлакат-ларида амир, хон, шоҳлар унвони. *Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртинда ултон бўл.* Мақол. — *Бу чоқ-қача қанча замонлар ўтди, Қанча под-шо, амир ҳам хонлар ўтди, Йўқ-юқа камбағал билан иши йўқ, .. Ўз кайфини суриб султонлар ўтди.* Эргаш шоир. *Хотин бўлса, бир султоннинг саройига ярашадиган покиза бир хотин.* Ҳамза, Паранжи сирларин. | *қўйма* Узгалар ичида энг олдингиси, сараси; шоҳи. *Йигитлар султони.* — *Мен сизга айт-*

сам, Мухайёси тушмагур ҳам бир жаҳон қизларнинг султони. М. Мухамедов, Юрак сўзлари. Сабо арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун. Тамоми ҳусн элининг шоҳи султон, бир келиб кетсун. Ҳамза.

3 Султон (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**СУЛТОНИЙ** [a] Узум навларидан бирининг номи. | Шу узумдан солинган майиз.

**СУЛТОНЛИК** 1 султон с. мавҳ. от. 2 Султон қўл остидаги давлат. Туркия султонлиги.

**СУЛУВ** Гўзал, чиройли, кўркам. Сулув қиз. Сулув баҳор. || Сулув сулув эмас, севган сулув. Мақол. — Сулув келинчақдай дилрабо баҳорнинг шоирлар қалбига ғулгула солгани яхши. Э. Охунова, Баҳор кўшиқлари.

**СУЛУК** с. т. Сувлуқ. **СУЛУКАТ** [a] Қишилар билан муомалада, жамиятда ўзини туғни тарзи; хулқ-атвор, қилиқ. Сулуқати совуқ одам.

**СУЛУКАТЛИ** Қишилар билан муомалада, жамиятда ўзини яхши тутабилладиган, қилиғи ёқимли. Сулуқатли одам.

**СУЛУК** с. т. Сувлуқ. **СУЛЬФАТ** [p < лат] қ. сульфатлар. Аммоний сульфат. || Сульфат кислота. **СУЛЬФАТЛАР** хим. Олтингурут (сульфат) кислотасининг тузлари.

**СУЛҲ** [a] 1 Урушувчи томонлар ўртасидаги ярашув, яраш-яраш. Сулҳ шартномаси. Сулҳ тузмоқ.

2 Умуман келишув, тоғувлик, тинчлик. У қосиблар, камбағаллар, соатсозлар, кулоллар билан суҳбат қилар, сулҳдан, ҳаётдан, шидан сўзлар эди. Ойбек, Нур қидириб.

**СУЛҲПАРВАР** [a + ф-т] айн. тинчликсевар. Сулҳпарвар мамлакатлар.

**СУЛҲ-САЛОҲ** [a] Сулҳ, келишув. Икковлари [йигит билан жувон] уришиб, мени енга олмасач, сулҳ-салоҳга келишди. Ф. Ғулом, Шум бола.

**СУМАҚ** этн. Бешикка беланган чақалоқнинг сийдигини тувакка йўналтирувчи найсимон асбоб. Қиз сумак. Ўғил сумак. — Карима бешик асбобларини, қовузлоқдан то сумаккача, ёстиқлари, боғичларигача бир-бир кўздан кечириб қоқди. Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

**СУМАЛАК** I Қорнинг эриб оқиб қайта музлаши натижасида ҳосил бўлган найсимон муз. Томларда, бўғотларда осилиб турган сумалаклар офтобда йилтиларди-ю, чақ этмасди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**СУМАЛАК** II Ундириб янчилган буғдой ва ундан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон овқат (одатда баҳор кезлари аёллар ўртасида ҳалфана асосида пиширилади). Ҳар баҳор келса, келур бир неча олов сумалак, Яна эл ичра солиб ғулгула, ков-ков сумалак. Ҳабибий.

**СУМАН** [ф-т] Оқ, хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули; ямин, ёсуман.

**СУМАНБАР** [ф-т] Гуландом, хушрўй, зебо. Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам. Увайсий.

**СУМБА** I айн. шомпол. Сешанбаликларнинг қуроллари эски тарзда ясалган милтиқлар бўлиб, ўй ва дорилари оғвдан солинар ва сумба билан жойланарди. Айний, Эсдалликлар.

2 тех. Тешик тешиш ёки белги солиш учун хизмат қиладиган учи найза пўлат асбоб.

**СУМБАТ** Ташқи кўриниш; қад, қома. **Сумбати** келишган йигит. — Ур-тамиён, нозиккина сумбати, Ишда эса филдан зиёд қуввати. Я. Қурбон. Кўррак бурма кўйлак қонга ўхшайди, дейишгани бекор экан. Сумбатига қараркан. Сахт-сумбати келишган жувон шу кўйлақда ҳам манаман деб тураркан. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**СУМБУЛ** с. т. Сунбул. **СУМБУЛА** с. т. Сунбула. **СУМКА** [р] Нарса солиб кўтариб юриладиган, чарм, мата ва ш. кдан ясалган буюм. Чарм сумка. Почталёон сумкаси. Протвигоза сумкаси.

**СУММА** [p < лат] Бир миқдор пул, маблағ. Пенсиялар суммаси йилдан-йилга ошмоқда. — Яқинда поччам катта сумма зарур бўлиб қолганини сўз орасида қистириб ўтди. Узи келмаса эрта-индин опамни юборди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СУНБУЛ** [a] Пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон декоратив ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли гули. **Отабек сунбул** исми соҳлардан руҳ олар, Кумуш ғўё унинг бағрига синиб кетган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Сув сунбул** (и) сочдек узун-узун пояли ва жуда нозик баргли папоротник.

**СУНБУЛА** [a] 1 (С — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Асад ва Мезон буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобиди олтинчи ойнинг арабча номи (22 август — 21 сентябрь даврига тўғри келади). **Сунбулада сув совийди**. Мақол. — **Сунбула** ойнинг мўътадил ҳавосига қарамасдан, **Зайнаб маржон-маржон терлаган эди**. А. Қодирий, Утган кунлар. **Сунбуланинг сувини ичган экин** куз сувини ичган экин (бундай экин ҳосили қишда яхши сақланади, дейдилар).

**СУНДИРМОҚ**: бўйин сундирмоқ айн. бўйсундирмоқ.

**СУНМОҚ** эск. кам қўлл. Тутмоқ; узатмоқ. — Агар йўқ деганингоза бошингиздан қуйиб юборар эдим, — деди новчадан келган бир йигит .. унга [лаҳлавонга] май қосасини сунар экан. М. Осим, Сехрли сўз.

◆ **Бўйин сунмоқ** айн. бўйсунмоқ. Номардларга асло сунма бўйингени, Пуч ёнғоққа тўладиради қўйингени. Мақол.

**СУННАТ** [a] I дин. Муҳаммад пайғамбар ва унинг ишлари, айтганлари ҳақидаги бир неча минг ҳадисдан, аф-

сонавий ҳикоялардан иборат «муқаддас ривоятлар» мажмуи, суннийларнинг қуръондан кейинги иккинчи диний ақидалари.

2 дин. Шу ривоятларга асосланган фарзга нисбатан иккинчи даражали диний маросим ва урф-одатлар. **Одамлар домла-имомнинг олдига боршица, у [домла-имом]: «Тоат-ибодат қилингллар, .. худои таолонинг фарзини, пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини адо этингллар», — дер экан. Х. Носирова, Мен ўзбек қизман. Суннат тўйи** ўғил тўйи, хатна тўйи. **Қиз чиқарадиган, ўғил уйлантирадиган, суннат тўйи** қиладиган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. **Ҳам фарз, ҳам суннат айн. ҳам фарз, ҳам қарз қ. қарз** 2. — Қизим, — деди Эрназар ака соқолини ўйчан силаб. — Утган сафар жуда маъқул гап айтдингиз. Ўйлаб қарасам ерни яхлитлаш ҳам фарз, ҳам суннат экан. И. Рахим, Ихлос.

3 Суннат (эркаклар исми). **СУННИЗМ** [p < a] Қуръон билан бирга суннат ақидаларини ҳам тан олувчи ислом динидаги оқим.

**СУННИЙ** [a] қ. суннийлар. **СУННИЙЛАР** дин. Қуръондан ташқари суннатни ҳам тан олувчи мусулмонлар; тақ. шийлар.

**СУННИЙЛИК** дин. 1 Сунний мазҳабага мансублик.

2 Сунний мазҳаби.

**СУНЪИЙ** [a] 1 Бирор усул билан табиийга ўхшатиб ясалган, тайёрланган, юзага келтирилган. **Сунъий каучук. Сунъий тола. Сунъий тиш. Ернинг сунъий йўлдоши.** | Ғайритабиий йўл билан амалга ошириладиган; ғайритабиий. **Сунъий ёритиши. Сунъий усул** билан эртаги ҳосил етиштириши. — **Шербек звар қошидан суммасини олди-да, сунъий қочирши пунктига қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой.**

2 **кўйма Ясама, сохта, ёлғондакам; носамимий. Сунъий табассум. Сунъий хотиржамлик.** — **Растанинг ичида беш-ўн киши пайдо бўлади, улар сунъий тавозе билан шовқинсиз муомалага киришади.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Кўв олдин манзират қилиб кўрди. Лекин сўзлари анча сунъий чиқарганини ўзи ҳам сезди шекилли, миннатдорчилик билдириб қўя қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Очил ўзини вазмин тутиб, табиий муомала қилган сари Замира ўнғайсизланар; сунъий равишда босиқ бўлишга уринарди. П. Қодиров, Уч илди.**

**СУНЪИЙЛИК** сунъий с. белги оти. **Материалининг табиийлиги ёки сунъийлигини аниқламоқ. Кулгининг сунъийлиги.** — У [Антонина Васильевна] яратган образлар содда ва чинакам бўлар, уларда ҳеч қандай ортиқчалик бўлмас, ҳаракати, имо-шорасида сунъийлик сезилмасди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизман.

**СУПА** [a суфа] I Ҳовли, боғ ва уму-

ман очик ерда ўтириш, ётиш-туриш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой. *Баланд супа. Супа қурмоқ. Супага жой қилмоқ.* — *Ховузнинг бўйидаги супада, дарахтларнинг қўлаңқасида, атрофда сувни қалин септириб, Салимбойвачча ётар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Шоҳ супа айн. шосуна.

2 Умуман чорбурчак шаклидаги ердан баланд жой ёки қурилма. *Ҳайкал ўрнатилган супа.*

**СУПАТОҒ** геогр. Усти супага ўхшаш текис, ёнлари тик тоғ.

**СУПАЧА** 1 Кичкина супа. *Бўта сарой олдидagi супачада қатор тизилиб ўтирган болалардан қоровулни сўради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Супачада қизил гилам, палослар, Парқуларга ёнбошлаган бир кекса.* Ғ. Ғулом.

2 Супа шаклидаги кичикроқ, ердан баланд жой ёки қурилма. *Ҳайкал супачаси.*

**СУПЕРФОСФАТ** [р < лат + грек] Апатит ва фосфоритларни олтингугурт кислотаси билан ишлаб ҳосил қилинадиган фосфорли ўғит. *Донадор суперфосфат. Суперфосфат заводи.*

**СУПРА** [а суфра] Хамир ёйиш, нон ясаш учун белгиланган, одатда ошланган теридан қилинадиган дастурхонсимон рўзгор буюми. *Тери супра. Ҳар супранинг нони бор.* Мақол. — *Бостирмада Зийдаҳон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон. *Тўхта хола .. супрасининг таъини қоқиб, озгина патири ёлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Номи** (ёки оти) **улуғ, супраси қуруқ** номига яраша қўли, дастурхони очик бўлмаган, мартабасига мувофиқ иш тутмайдиган одам ҳақида айтилидиган ибора. Э, *худо кўтарсин ўша номи улуғ, супраси қуруқ боини, у хасис бойнинг ўғли деб бола бечорага зулм қила берасизми?* А. Раҳмат, Абдулла Набиев.

◆ **Супра қоқди** катта зиёфат, тўй ва ш. к.дан кейин қолган нарсалар билан кичик доирадаги яқин кишиларни меҳмон қилиш ва шундай меҳмондорчиликнинг ўзи. **Қулоқ супраси анат.** қулоқнинг товуш тутувчи ташқи тоғай қисми.

**СУПТА** Жуссаси унча катта бўлмаган, хипчалан келган. *Супта аёл.*

**СУПУРГИ** 1 Супуриш-сидириш учун бурган, шувоқ, маккасупурги ва ш. к.дан дасталаб боғлаб ясаладиган рўзгор буюми. *Шувоқ супурги. Чўлақ супурги.* — *Раҳматжон отаси боғлаган чиройли бурган супурги билан ерни бир зумда тозалади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Хотин** (ёки хотинақ) **супурги** банди қисқа, одатда уй супуриладиган супурги. **Эркак супурги** банди узун супурги. *Чол ғира-ширада уйдан чиқарди.* Қўлида кетмон сопидек узун сопи эркак супурги, челак. Ў. Умарбеков, Дутор. **Қоровул супурги** қоровулларга хос узун ёғоч дастали катта супурги.

2 **Бот.** Чўл, қирда ўсадиган сершоҳ, уруғи заҳарли бир йиллик ўсимлик.

3 айн. маккасупурги.

◆ **Супурги пули тар.** эски мактабларда болалардан олинадиган солиқнинг бир тури. **Юшмоқ** (ёки мулойим) **супурги** муомаласи юшмоқ, мулойим, аммо ўзи қаттиқ ёки қув одам ҳақида. [Алижон] *учрашганда шундай мулойим супурги бўлиб кетадики, унча-мунча одам лақ этиб учиб, бундан яхши йигит бўлмаса керак, деб ўйлайди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Қўли косов, сочи супурги** ҳамма уй-рўзгор ишларини хизматкордек бажарувчи одам ҳақида. *Сизни деб қўлим косов, сочим супурги бўлса-ю, ҳали сиздан келган гап шуми?* А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

**СУПУРГИЧИ** Супурги боғлаб сотувчи киши. *Мана Бارات супургичи! Бозордан супургисини қақа қила олмай, яна орқалаб қайтаётир.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СУПУРИБ-СИДИРИЛМОҚ** **супуриб-сидирмоқ** фл. мажҳ. н. Саҳнга дид билан ранг-баранг гуллар экилибди, .. ҳамма ёқ, ёғ тушса ялағудай қилиб, **супуриб-сидирилган.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СУПУРИБ-СИДИРМОҚ** Супуриб, гард қолдирмай тозалаб олмоқ. *Вақт эрта бўлгани учун, Ғуломжон синфни супуриб-сидираётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳамма ёқни супуриб-сидириб, ёғ тушса ялағудай қилиб, Ҳожи бобонинг чиқшига мунтазир бўлиб турди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**СУПУРИЛМОҚ** **супурмоқ** фл. мажҳ. н. *Ҳамма ёқ топ-тоза қилиб супурилди.* *Супурилмаган уйга меҳмон келар.* Мақол. — **Орангиздаги кинанинг** [гинанинг] **душманингиз билан бирга супурилганига шубҳа йўқ.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**СУПУРИНДИ** 1 Супурганда тўпланган ахлат. *Супуридиларни ерга тўплаб ёқмоқ.* — *Бу ерга ёзда супуринди, қишда қор ташлайдилар.* Ойдин, Ҳазил эминш.

2 **Кўчма нафр.** Одамгарчилигини йўқотиб, жамиятдан сурилган, маиший ёки мафкуравий жиҳатдан тубан киши.

**СУПУРИШМОҚ** **супурмоқ** 1 фл. бирг. н.

**СУПУРМОҚ** 1 Супурги билан чанг-тўзон, ахлат ва ш. к.дан тозаламоқ. *Уй супурмоқ. Ҳовли супурмоқ.* — *Отабек майдонда отини супуриб эгарлар экан, майдоннинг ғарбидаги хароба уйнинг деворидан бир бош кўтарилиб унга қараб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Вой йлмасам, ҳамма ёқни чанг босибди!* — *деди Эъзозхон, айвон бурчасида ётган супургини олиб,* — *ҳозир супуриб чиннидай қилмаман!* Ҳ. Ғулом, Машъал. | Супурги ёки шунга ўхшаш нарса билан сидириб олмоқ, тўпламоқ. *Қор супурмоқ.* — *Жуда кўп хазон супуриб, қанорларга ниқталаб жойладик.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 **Кўчма** Таг-томири билан сидириб орадан кўтармоқ, сурмоқ. *Юлғичларни орамиздан супуриб ташлаш керак.* |

| Таг-томири билан йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ. *Бутун иттифоқда бўлгани каби, Олтинсойда ҳам янги давр шимоли кўтарилган эдики, бу эскилик чанг-тўзонларини қадам-бақадам супуриб ташларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Гул боғларга еллар кўклам Нафасини уфурди.* Ердан қору мовий кўкдан Булутларни супурди. Э, Воҳидов.

**СУПУРТИРМОҚ** **супурмоқ** фл. орт. н. *Уйларни супуртирмоқ.* — *Қуз келса, маҳалладан бир тўда болаларни мана шу далага олиб келар, хазон супуртирар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СУР** I Дудлаб ёки осиб кўйиб қуририлган, қоқланган. *Сур ёғит. Сур балиқ.* — *Қозоқ қизи тутган қимиз, қалбидек соф, Эсдан чиқмас сур қазининг тўғрамчаси.* С. Абдулла.

**СУР** II Без, сурбет. *Сур одам.* — *Нигоранинг кўз олдига Ёқутойимнинг тухумдай тиғиз гадасию пардоз-андоз қилган сур башараси келди.* С. Анорбоев, Оксой. || «Қаёқдан ҳам илашди бу сур!» — *деди [Ақбарали ака] ўзича ва мум ташлагандай индамай, шофёри ёнига ўтирди.* Р. Раҳмон, Узун қўл.

**СУР** III [ф-т сурх] I от Сурранг қоракўл. *Лолаларнинг унар жойи қир бўлур, Қоракўлнинг кўркама тури сур бўлур.* Я. Курбон.

2 **сфт** Тўқ кул ранг тусдаги; сурранг. *Сур қоракўл тери.*

**СУР** IV **диал.** Салобат. *Умрида ҳали бирор марта ҳайсан олмаган, беозор Саидхонни прокурорнинг сури босиб қолди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**СУРА** [а] (у — чўзик) Қуръоннинг 114 бобидан ҳар бири. «Бақра» сураси. — *Домла ҳеч нарса демай, қаҳраб тасбеҳини дейриб, аллақайси бир сурани пичирлай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

◆ **Узун сура** бошламоқ узундан-узоқ гап бошламоқ.

**СУРАЙЕ** [а] I (С — катта) **астр.** Савр юлдузлар туркумидаги бир гуруҳ юлдузлар номи.

2 **эск.** Маъшук, ўйнаш.

3 **Сурайе** (хотин-қизлар исми).

**СУРАЛАЙ(И):** суралай(и) **ғоз** ғозсимонлар туркумининг ўрдақлар кичик оиласига мансуб кўл қуши; шомруқ.

**СУРАТ** [а] (у — чўзик) 1 Қўлда чизилган тасвир, расм. *Сурат солмоқ.*

— *Уста Баҳром яхши одам экан, партининг суратини, ясаи тартибини қозога қизиб ҳам берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пештоқларда Ленин сурати, Ҳилпирийди қирмизи байроқ.* Э. Раҳим. | **Босма тасвир**, китоб, журнал ва ш. к.да босилган расм, иллюстрация. *Суратлар билан безатилган китоб.* — *Абдурасул ўқшини билмаса ҳам, китобларни иштиёқ билан varaқлай бошлади ва баъзи бир суратларга тикилди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 **Фотографик тасвир**, фотосурат. *Сурат олдирмоқ. Суратга олмоқ. Суратга тушмоқ.* — *Норматининг сурати келди. Командирлари билан тушибди.*

Эрали ҳам бор. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ташқи қиёфа, кўриниш; сиймо. *Ғуломжон .. қизнинг ўзини ҳам бир қўр кўриб, суратини дилига чизиб олган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўзим ойдин, кўзим сурати жонон кўринур, Бахтнинг кўзусида сумбули райҳон кўринур. Т. Тўла. Силкинши орқасида унинг [қизнинг] юзини тўзгиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сурати одам ташқи кўриниши одам, лекин ҳолсиз ёки разил. Бузилдим, одамгарчилигим қолмади, суратим одам, бойвачча ака, мендан ҳайвон яхши. Ойбек, Қутлуг қон.*

4 (ў.-п. к. ф.-да) Кўшма равиш таркибида келади. *Шошилич суратда. Расмий суратда. Мунтазам суратда.*

5 мат. Оддий касрда чизиқ устидаги сон.

◆ **Баайни** (ёки худди) сурат жуда чиройли, жуда гўзал. *Баайни сурат: киши ҳам бундай бежириб бўлар экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сурат бўлиб (котиб) қолмоқ* ҳайратда қолмоқ, ханг-манг бўлмоқ. *Зулукхон Норқўзининг турган ерида сурат бўлиб қолаганини, йигитнинг қалби кўрқувга тўлаганини фаҳмлади. Х. Ғулом, Сенга интиламан. Шу пайт бир ҳодиса рўй берди-ю, болаларнинг ҳаммаси сурат бўлиб қотиб қолишди. О. Акрамхўжаев, Қониётнинг сирин.*

**СУРАТКАШ** [a+ф-т] *1 с. т.* Сурат чизувчи, сурат солувчи; рассом.

2 *эск. айн. фотограф.*

**СУРАТКАШЛИК** сураткаш с. касб *оти.*

**СУРАТЛАНМОҚ** кам қўлл. айн. гавдаланмоқ.

**СУРАТЛИ** *1* Сурати, суратлари бўлган; суратлар билан безатилган. *Суратли журнал. — Мен суратли китобни яхши кўраман. Мирмуҳсин, Умид.*

2 кам қўлл. Бирор кўринишга эга бўлган, кўринишидаги, қиёфасидаги. *Алломиш Қултой суратли бўлиб келатиб эди. «Алломиш».*

**СУРАТХОНА** [a+ф-т] *эск. 1* Фотосурат олиннадиган ишхона, фотография.

2 *Расмлар музейи, галереяси.*

**СУРАТЧИ** *с. т. 1 айн. рассом. 2 айн. фотограф.*

**СУРБЕТ** Гап таъсир қилмайдиган; сур, безбет. *Сурбет одам. — Сурбет ва ҳозиржаов кал, бўш келмай, ҳар бир гапга ўн гап билан жаовб қиларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Бу кўк ёлғилар жуда сурбет бўлиб кетган. Куппа-кундузи кўзинени бақрайтириб туриб ҳужум қилади. С. Анорбоев, Оқсой.*

**СУРБЕТЛАРЧА** *рви* Сурбет одамлардек, сурбет одамларга хос равишда, гапга парво қилмай. *Сурбетларча илжайиб туравермоқ. — У [Хошим] Ғулом акадан бўлак ҳеч ким билан шунчалик очиқ, сурбетларча гаплашмасга керак. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

**СУРБЕТЛАШМОҚ** Сурбет бўлиб бормоқ.

**СУРБЕТЛИК** *1* сурбет с. белги *оти.* *Афандининг сурбетлигига қозининг гаши келиб ўйқурди. «Латифалар». [Саид] асбоб сумжасини остонага қўйди-да, нарироқда сурбетлик билан қараб турган Малоҳатга ўқрайиб қаради. А. Мухтор, Чинор.*

2 Сурбет одамларга хос иш, хатти-харакат, қилиқ. [*Комил:*] *Бу қанақа сурбетлик? Бу қанақа сурбетлик дейман, сизаа! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Кўлларида далил бўлмаса ҳам, қайсарлик қиладилар. — Ҳам қайсарлик, ҳам сурбетлик. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — Уша кунги .. анҳор бўйидаги сурбетлигим учун кечиринг, — деди Элдор Райҳонга. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.*

**СУРГАЛМОҚ** сургамоқ *фл. ўзл. н.* *Тураман, йиқилман, яна сургаламан. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**СУРГАМОҚ** айн. *судрамоқ.* Кампир узундан-узоқ дуо қилиб, чуруқ паранжисининг этакларини ерга суреган ҳолда, чиқиб кетади. *Ойбек, Болалик. Содиқни ўз ҳолига қўймай, кўнадан анчагина нарига сургаб кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**СУРГИ** *1* Ични юмшатадиган, сурадиган дори-дармон. *Сурги ичмоқ, || Сурги дори. — Халфанинг ҳовли кезиб, у ёқдан-бу ёққа раётганини кўрган Меликул ота ҳайрон бўлди. «Бу баднафа бўйиб қолди шекилли», деб ўйлади. — Бир сурги қилиб юборасизми? Е. Шукуров, Қасос.*

**СУРГИ** *II* диал. Юз-қўл артадиган сочиқ, лунги.

**СУРГУН** *1* Давлат органларининг қарори ёки суд ҳукми билан жазо тарқасида ўзга ерга юбориш; бадарға. *Сургуни қилмоқ. Сургуна юбормоқ. — Бу одам .. ўн олтинчи йили подшо фронт орқасида ишлари учун мардикор чақирганда, Тошкент халқини исенга даъват қилиб варақа тарқатгани учун Сибирга сургуни қилинган экан. С. Аҳмад, Хукм.*

2 Шундай жазога маҳкум этилган кишилар бадарға қилинадиган жой ва у ердаги ҳаёт. *Бир ўқитувчи рус аёл ҳам сургуни қилинган экан. У сургундаги саводсизларни ўқита бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўзбекистонда сургундан кўнгина большевиклар қайтиб келдилар. А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари. Сургунда қон ютган йиллари айтиб, Дер экан: — Эсимда: бир вақтлар йироқ Юртда бошимизга тушганди фироқ, Шайхзода.*

**СУРДИРМОҚ** сурмоқ *фл. орт. н.* *Нарсаларни сурдирмоқ. — Балки уни (араваканини) кечалар ва кундузлар ҳаловатидан маҳрум қилган даҳшатли қудрат бордирки, у буни шундай мункайтириб, ўй сурдириб қўйгандир? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**СУРИК** [р <ерек] Таркибида кўрғошин оксиди ёки темир бўлган мине-

рал. | Шундай минералдан тайёрланган қизғиш-зарғалдоқ ёки қизғиш-жигар ранг бўёқ.

**СУРИЛМА** *У* ён-бу ён суриладиган; сурма. *Сурилма қопқоқ.*

**СУРИЛМОҚ** *1* сурмоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.* *Нарсалар нари-бери сурилди. Иш анча илгари сурилди. — Анвар кулди ва сурилиб, Раънонинг ёнига келди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Кечга бориб хон: «Ғолиблар шарафига .. зиёфат берилсин» деб фармон берди. Тонг отар базм бўлиб, кайф-сафо сурилди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Иши орқага кетиб пастлашмоқ; қатордан, сафдан чиқмоқ. *Бечора, иши юришмай, анча сурилиб қолибди.*

**СУРИНМОҚ** *1* Қийин аҳволга тушиб сурилиб қолмоқ, қийинчилик билан кун кўрмоқ. *Доим меҳрибондир фуқаросига Йиқилган, сурирган бечорасига. «Фольклор».*

2 Қийналиб, мункиб-сункиб, қоқилиб-суқилиб, туртиниб юрмоқ. *От сурирмай, йўл танимас. Мақол. — Бир нечалар қоронғида йиқилиб, суриниб юрибди. «Фольклор».*

**СУРИШИ** *1* сурмоқ *фл. иш оти.* *Нарсаларни у ён-бу ён суриши. Ишни олдинга суриши. Ҳаёл суриши. От суриши. — Ойимхон билан Абдурусул .. хотинлар мажлиси чақирини баҳорга, 8 мартга суришни лозим кўрдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 фольк. Жанг, уруш. *Оломондан неча ўлиб, Жуда қирғин суриши бўлди. «Фольклор».*

**СУРИШМОҚ** *1* сурмоқ *фл. бирг. н.* *Мебелларни бир томонга суришибди. Муддатни анча орқага суришар эмиш. — Йўлчини қучоқлашиб базўр четга суришди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *с. т.* *Мириқиб шамақт ўйнамоқ, шахмат тахтасида жанг қилмоқ.*

3 Ҳисоб-китоб қилиб, бир-бирига ўтган қарз ёки ҳақни тўлаб орани очмоқ. *Пулидан ташвиши тортманг, кейин суришиб кетамиз. Уйғун, Сўнгги пушаймон.*

**СУРИШТИРМОҚ** *1* Биридан-бирига ёки у ён-бу ён сурмоқ. *Харажатларни бир моддадан иккинчи моддага суриштириб қоламоқ. Нарсаларни суриштириб икки яшикка жой қилмоқ.*

2 Бугун тафсилоти билан билиб олиш, тағига етиш учун сўроқлайвермоқ, сўраб-сўраб билмоқ, аниқламоқ. *Авлодни суриштирмоқ. Суриштириб кимсанинг уйини топмоқ. Узумини е, босини суриштирма. Мақол. Суриштирмай ёки суриштирмасдан 1) сўроқлаб анигини билмасдан, аниқламай-нетмай; 2) фарқига бормамай, фарқ қилмай, аралашади. У овқатнинг яхши-ёмонини суриштирмайди.*

**СУРҚАЛИШМОҚ** сурқалмоқ *фл. бирг. н.*

**СУРҚАЛМОҚ** *1* сурқалмоқ *фл. мажх. н.* *Деворга сурқалмоқ. Яраза сурқаладиган дори. — Баланд бўйли, серсоқол, текис сочлари мой сурқалагандай йилтираган кекса рус унинг [Йўл-*

чининг] орқасида турарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ёйилиб кетмоқ, ёйилиб ифлос, доғ-дуғ бўлмоқ. Стол қимирлаб, хатим суркалиб кетди.

3 *кўйма салб*. Хиралик билан суқилмоқ, ёпишмоқ, кимса атрофида ёки бирор доирада ўралашиб юрмоқ, пашшахўрда бўлмоқ. Мулла Мамасолиҳ Уста Бабудни ийдириш учун хушомадомуз бир оҳанга балчиқдай суюлиб, суркалиб давом этди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

**СУРКАМОҚ** 1 Бирор нарса бетини, сиртини бошқа нарса бетига, сиртига ишқамоқ, суйкамоқ. Товонини фишга суркаб ювмоқ. — «Тарзан» бояғидай буйруқни бажариб қанд «мукофот» олгиси келдими, сахий эасининг оёғига ялоқ тумишугини суркади. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

2 Бетига, сиртига юқадиган ёки сингйдиган нарса бермоқ, суртмоқ. Деворга бўр суркамоқ. Машинага мой суркамоқ. Ярага дори суркамоқ. — [Унсин] ичкари уйда ўтириб маҳсиларга шон қоқади, шондан тиширади, пардозлайди, қора гул, лак суркайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мели полон Худойқулга яна имо қилди: — Қани, бармоғингни тўғрила, — деди ва .. бош бармоғига сиёх суркади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**СУРКАНМОҚ** суркамоқ 1 *фл. ўзл. н. айн. суркалмоқ*. Эчкининг калтак егиси келса, чўпоннинг таёғига сурканади. Мақол. — Бу [Умри] хариш отдай муңча менга сурканаварида деб юрсам, бунинг тағида гап бер экан. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**СУРКАТМОҚ** 1 суркамоқ 2 *фл. орт. н.* Оёғига дори суркатмоқ.

2 Ёйилтириб юбормоқ, ёйилтириб ифлос, доғ-дуғ қилмоқ. Хатни суркатиб юборибди.

**СУРКАШМОҚ** суркамоқ *фл. бирг. н.*

**СУРЛАМОҚ** Осиб қўйиб қуритмоқ, қоқ қилмоқ, қоқламоқ. Гўшт сурламоқ. Балиқ сурламоқ.

**СУРЛАНМОҚ** сурламоқ *фл. мажҳ. н.* Сурланган балиқ.

**СУРЛИК** сур 1 2 с. белги оти. Уша пайтда андак сурлик қўл келиб, ҳозиргача ҳам баъзан-баъзан «шайтонга ҳай бериб» қўя қоларди. Мирмуҳсин, Умид.

**СУРМА** 1 [ф-т] Химиявий элемент, кумушсимон оқ мўрт металл. Химиявий соф сурма. Сурма кони. Сурма рудаси.

2 Таркибида шу элемент бўлган қорамтир пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатилади). Қобили сурма. Сурма қўймоқ. Кўзига сурма тортмоқ. — Қарасам .. қошларида ўсма, кўзларида сурма, икки чаккада гажак, лабида кўк хол. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Во ажабо, бу ким бўлди? .. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора, бир қараш биланоқ юраимни така-пука қилиб ташлади. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Сурма (ранг) тўқ симоби ранг, қорамтир. Тонг ота бошлади. Қўкни қоплаган хомуш сурма ранг

булутлар билинар-билимас ёришиди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Унинг сурма кўзларида тикилиб туриб «аттан» деди. Уйдин, Узидан кўрсин. Сўқир кўзга сурма номуноси ёки беҳуда иш қилган кишига нисбатан айтиладиган ибора. Урмонзон кудди, — Сўқир кўзга сурма .. нима қиласизлар, нима қиласан алдаб? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**СУРМА** II Суриладиган, сурилма. Сурма қопқоқ. Столнинг сурма яшиги.

**СУРМАДОН** [ф-т] Сурма солинадиган идиш. У[аёл] .. чўнтагидан нақшиндор мис сурмадонни олиб, ичидаги қаламни эҳтиёткорлик билан кўзларига суртди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**СУРМАЛИ** I Таркибида сурма бўлган. Сурмали тоғ жинси.

2 Сурма қўйилган ёки сурма қўйилгандек қора. Сурмали кўзлар.

**СУРМАЧУП** [ф-т] Сурма қўядиган махсус ингичка чўп.

**СУРМОҚ** I Итариб бир жойдан иккинчи жойга кўчирмоқ; жилдирмоқ, силжитмоқ. Столни девор томонга суриб қўйди. Ҳ. Шамс, Душман. Турғенев нулаётини унинг [Эминнинг] олдида суриб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Қоратой билан Уроз] одамларни куч билан, ҳайқириқ билан суриб, итариб, кўчага чиқарибди. Ойбек, Қутлуғ қон. Олдинга сурмоқ 1) олд томонга силжитмоқ; 2) *кўйма* олга бостирмоқ. Ишни олдинга сурмоқ. Орқага сурмоқ қ. орқа. Сув сурмоқ қ. сув 2. Четга сурмоқ 1) чет томонга силжитмоқ; 2) *кўйма* четга чиқариб юбормоқ, четлатмоқ. Суриб бормоқ куч билан сиқиб, босиб бориб илгари ҳайдамоқ. Ҳайдар, рақибни суриб бораётиб, чалиниб йиқилиб тушиди. И. Раҳим, Ихлос. Суриб кетмоқ 1) куч билан олиб, тортиб, судраб ёки эргаштириб кетмоқ. [Давлатёр] катта тошини .. баланд кўтариб тоиларга шундай шиддат билан урдик, харсанглар гуриллаб ўпирилди-да, йў; лида учраган бошқа тошларни ҳам суриб, юмалатиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) олиб қочмоқ (от ҳақида). Саман хуркиб, келган томонига — Кўкоролга суриб кетди! Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар; 3) *кўйма* фойда бермай, суд қилмай, зарар келтирмоқ. Ҳаром пул суриб кетади. Суриб чиқармоқ куч, тазйиқ билан сиқиб чиқармоқ. Қисм қоронғи тушгунча душмани олдинги оқоплардан суриб чиқарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [Юрмоқ (шаҳмат ва шашка ўйинида)]. Пиддани сурмоқ. Филли сурмоқ.

2 Бирор томонга йўналтирмоқ, солмоқ. Лашкар сурмоқ. Карвон сурмоқ. — Чорлади Ватан ишқи мардчасига от сурдинг. Ғайратий.

3 Отлар билан қўшма феъл ясади, мас. давр сурмоқ, кайф сурмоқ, хаёл сурмоқ, ҳўкм сурмоқ.

4 с. т. Суртмоқ, суркамоқ.

◆ **Насл** (ёки **суяк**) сурмоқ наслдан наслга ўтмоқ. Тирноғи сурибди янги тирноқ чиқиб ва ўсиб, эски, зарарлан-

ган тирноқни туширибди. Умр сурмоқ умр кўрмоқ, яшамоқ. Қалам сурмоқ айн. қалам тебратмоқ қ. тебратмоқ. Навоий улуғ форс шоирлари каби, шеърнинг ҳамма шаклларида қаламни жасур сурди. Ойбек, Навоий.

**СУРНАЙ** [а+ф-т] Тешикларини бармоқлар билан очиб-ёпиб, пуфлаб чалинадиган музика асбоби. Сурнай овози. Сурнай навоси. Сурнай чалмоқ.

— Намозасрага яқин куёв катта оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкки тутди. Ойбек, Қутлуғ қон. / Шундай асбобда чалинган куй. Сурнай эшитмоқ. / *кўйма* Шундай куйга ўхшаш овоз, садо. Мана, тез орада бугдойга жўнаймиз. Чойхонада, ёлғиз ўзи самовар сурнайини тинглайди деб ўйламанг яна. Ойбек, О. в. шабадалар. Сурнайнингни тортма йиғисиги қилаверма, йиғингни қуй.

◆ **Сўк ошига сурнай кест**. арзмаган ишга ортиқча дабдаба, даранг-дурупг қилинган ҳолларда ишлатилмайдиган маътал.

**СУРНАЙЧИ** Сурнай чалувчи одам. «...ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан...» (эртакларнинг бошламасидан).

— Созандалар дастаси .. бир чирмандачи, бир ногорачи, бир сурнайчи, бир раққос ва битта қўғирчоқбоздан иборат эди. Айний, Эсдалиқлар.

**СУРОБ**: суроби тўғри бўлди (ёки тортилди) 1) ҳолдан тоғди, хол-жони қолмади; 2) адабини, таъзирини еди; бўлари бўлди. Суробини тўғриламоқ (ёки тортмоқ) 1) ҳолдан тойдирмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ; 2) адабини, таъзирини бермоқ, кунини кўзига кўрсатмоқ. Теримдан бўйин товлайдиган ялқов-палқовларнинг, ҳар хил муғомбир «синди белим»ларнинг суробини тўғрилаб қўяман! Ойбек, О. в. шабадалар.

**СУРОН** I Қучли шовқин, ғовур-ғувур, шов-шув. Жанг суронлари тинган хушхаҳо ўтлоқларда яна кўзи-қулунлар ўйноқилаб, қушлар сайрай бошлабди. А. Мухтор, Чанор. Арслон нағрисидай даҳшат солган кучли моторлар суронидан қулоқлар кар бўлгудай. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ийилган халойиқ сурон билан янги шаҳар томон қўзғалди. Ойбек, Улуғ йўл. Сурон солмоқ (ёки кўтармоқ) қучли шовқин кўтармоқ, шовқин солмоқ, ғовур-ғувур қилмоқ. Халқ сурон кўтариб, унинг сўзини қувватлади. М. Осим, Маҳмуд Торобий. Кўнчилик дам урса бўлади бўрон, Саҳрога солади даҳшат ва сурон. А. Пулат.

2 *кўйма* Ғолибона юриш, асъаса-дабдаба. Гар менинг қудратим билмоқ истасанг, Қирқинчи йилларнинг суронига боқ. Шўхрат.

**СУРОНЛИ** I Шовқин-сурон, ғовур-ғувур билан тўлган; шовқинли. Суронли жанглар. || Никбх тўйи фавқуллода суронли ва тантанали бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўйма* Дабдалали, бўронли. Суронли йиллар.

**СУРП** Сидирга ип газлама, ип по-



лотно. Оқ сурп. Қора сурп. || Сурп як-так. — Очиқ дераздан кирган баҳор шамол деразининг .. сурп пардасини шилмайтиди. С. Ахмад, Хукм. Хом сурп айн. без II.

**СУРРА** I Кенг ола-була йўлли махаллий нимшоий мато. *Бир жўра сурра.* || *Сурра тўн.*

2 Шундай матодап тикилган тўн. *Битсин қонхўрлар, мустабид тўралар, Бир тўн дока салла, узун сурралар!* Ҳамза.

**СУРРАНГ** [ф-т] айн. сур II 2. *Сурранг ипак.* — Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа, йўлқаларга сурранг майда шлак тўкилибди, юрганда гичир-гичир қилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**СУРРОГАТ** [р<лат] Бирор нарса-нинг ўрнида ишлатиладиган, лекин унинг ўрнини тўла боса олмайдиган, сифат жиҳатидан анча паст нарса. *Озиқ-овқат суррогатлари. Сахарин — қанднинг суррогати.*

**СУРСАТ** эск. фольк. Ўлпон, солиқ. *Учқур эдинг қантонидан қайридинг, Юсурук бўлсанг тўғинидан тайридинг, Биз овқатдан, сен сурсатдан айридинг.* «Алпомниш».

**СУР-СУР** I Тиқлиндаги ур-йиқит ҳаракат, бир-бирини туртиб-суртиб, итариб, босиб бориш. *Бозордаги сур-сур.* — Давидни сур-сур қилиб қоронғи бир хонага олиб кириб кетишди. Е. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

2 Жанжал, олишув, тортишув. *Бу ғалава, сур-сур бўлиб, Қори баттол амин билан чап бўлиб қолди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**СУРТИЛМОҚ** суртмоқ фл. мажх. н. *Мум суртилган ип.* — Оёқсиз, қўлсиз қолса ҳам майли эди, — деди Хошимжон йиғлаб, .. укасининг қони суртилган милтиққа тикиларкан. Ойбек, Кўёш қораймас. Қўллар яхши тилаклар билан юз-кўзларга, соқолларга суртилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СУРТИНМОҚ** суртмоқ фл. ўзл. н. *Суртиниб (артиниб-суртиниб) овқатга ўтирмоқ. Қоронғида туртиниб, суртиниб (туртиниб-суртиниб) бормоқ.*

**СУРТИШМОҚ** суртмоқ фл. бирг. н. *Хотинлар .. эшон аянинг этакларини, қўлларини ўришиди. Бўйнидаги дурни кўзларига суртишди. С. Ахмад, Хукм.*

**СУРТКИ** I диал. Сочиқ, лунги.

**СУРТКИ** II: суртки дори ярага ёки оғриқ жойга суркаладиган дори.

**СУРТМОҚ** I айн. суркамоқ. *Деворларга бўёқ суртмоқ. Юз-қўлига совун суртмоқ.* — Ешилгимда кўп касал бўлганман .. Ушанда ичган, суртган дориларим эсимда қолган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У ёноғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб синиқ товуш билан пичирлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Мадамин] бармоқларини маҳси қўнжисига суртаётди, атрофига қараб ҳам олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Артмоқ, артиб-суртиб тозаламоқ. *Кўзларининг ёшини рўмол учи билан суртмоқ.*

◆ **Бурнига кесак суртмоқ** лақилла-тиб, бирор нарсадан қуруқ қолдирмоқ, чув туширмоқ; фирби, панд бермоқ. **Оёғига юз суртмоқ** оёғига йиқилмоқ, бош урмоқ. **Кўзга (ёки юзга) суртмоқ** қ. кўз.

**СУРТТИРМОҚ** суртмоқ фл. орт. н.

**СУРУ(В)** Қўй-эчки подаси. *Ақлли бўрибосарлар сурувларни бўйлаб олдинга чолиб борадилар-да, то ҳаммаси ўтиб бўлгунча чўзилиб ётиб дам оладилар.* А. Мухтор, Чинор.

**СУРУНКА** рвш, кам қўлл. Сурункасига, бетўхтов, муттасил. *Сурунка давом этадиган иш. Уч кун сурунка ёмғир ёғди.*

**СУРУНКАЛИ** Сурункасига, бетўхтов давом этадиган; узлуксиз. *Сурункали иш.*

◆ **Сурункали касаллик** ариши қийин бўлган, давомли ёки ҳеч аримайдиган касаллик.

**СУРУНКАСИГА** рвш Муттасил равишда, узлуксиз, бетўхтов. *Сурункасига икки кун ишладим. Сурункасига бир ҳафта ёмғир ёғди.* — *Жанг сурункасига етти кун давом этди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Усарбойдан сурункасига етти ой хат келмай қўйди.* С. Ахмад, Ойдин кечалар.

**СУРУР** [а] поэт. Шод-хурсандлик хисси, напъаси; севиноч, қувонч. *Ғўза — кекса деҳқоннинг ғурури ҳам, сурури ҳам эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Мухаббат — гавҳардир, усиз кўз бенур, Мухаббат — ҳаётдир, бағишлар сурур.* Е. Мирза.

**СУРХ** [ф-т] Ёш, янги, сурхун (новда ҳақида). *Сурх новда.* || *У гул тутди, япроқ чикарди, чиройли бўлиб ўсди, .. сурхлари яшил япроқларга бурканди.* М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

**СУРХОН** Узум турларидан бирининг номи ва шу узумдан солинган майиз.

**СУРХУН** айн. сурх. *Ерга дув этиб қор тўқилди. Ёш сурхун новдалар оғир юқларидан бўшаб қадларини кўтарди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**СУРЪАТ** [а] I Иш-ҳаракат, воқеа-ходиса, процесс ва ш. к.нинг жадаллик даражаси; темп. *Қурилиш суръати. Пахта терими тез суръатлар билан бормоқда. Иш суръатлари тобора ошмоқда.* — *Қурилиш иши қишин-ёзин тўхтамайди, жадал суръат билан кетиб, .. муддатдан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 эск. айн. тезлик 2. *Умр барқ суръати билан ўтмоқда.* Ойбек, Навоий.

**СУРГУЧ** Тез эриб тезда қотадиган рангдор смола ва мум қотишмаси. *Қизил сурғуч.* / Шундай смола ёки мумдан фойдаланиб босилган тамга, қоп-қоқ ва ш. к. *Қулфнинг сурғучини кўчи-рмоқ.* — *Полвон этигининг қўнжидан пичоқ олиб унинг сопи билан бутилка учидида сурғучини уриб туширди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**СУРГУЧЛАМОҚ** Сурғучдан фойдаланиб тамга босмоқ ёки қопқоқламоқ.

*Қулфни сурғучламоқ. Посилкани сурғучламоқ. Бутилкани сурғучламоқ.*

**СУРГУЧЛАНМОҚ** сурғучламоқ фл. мажх. н. *Сурғучланган хат.*

**СУС:** кўнгли сус кетди кўнгли жуда ҳам тусаб кетди. *Кўнглим олмага сус кетди.*

**СУСАЙИШ** I сусаймоқ фл. иш оти. *Суръатнинг сусайиши.*

2 Кейинга кетиш, таназзул.

**СУСАЙМОҚ** I Илгариги кучини, шиддатини йўқотмоқ; секинлашмоқ, пасаймоқ. *Шамол анча сусайди. Иш суръати сусайиб қолди.* — *Сусаймас тўлқин, у — ўт; у — ёлқин.* Миртемир.

2 Шапшадан қайтмоқ, илгариги ғайратини, жўшқинлигини ёки қизиқишини йўқотмоқ; бўшашимоқ, писмоқ. *Нега мунча сусайиб қолдингиз?* — [Қумуш] *кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига беғоналашиб борганини яхши англади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Меъдаси сусайибди** меъдаси овқатни яхши ҳазм қила олмайдиган бўлиб қолибди.

3 Кучини, таъсирини йўқотмоқ, кучсизланмоқ. *У [Ҳакимбойвачча] юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди.* Ойбек, Қутлур қол. / **Бўш қўйилганлик** натижасида орқага кетмоқ, ёмонлашмоқ, пасаймоқ, бўшашмоқ. *Интизом сусайибди.*

**СУСАЙТИРИЛМОҚ** сусайтирмоқ фл. мажх. н. *Интизом сусайтирилмасин! Иш суръати бир кун ҳам сусайтирилмади.*

**СУСАЙТИРМОҚ** сусаймоқ фл. орт. н. *Қишининг совуқ кунлари қурилиш суръатини сусайтирмади.*

**СУСАЙТМОҚ** сусаймоқ фл. орт. н. **СУСПЕНЗИЯ** [р<лат] физ. Каттиқ жисм зарраларининг бирор суяқликда эримасдан муаллақ сузиб юрган қориншмаси.

**СУСТ** [ф-т] I Унча кучли, шиддатли бўлмаган; секин, паст. *Суст оқим. Суст олов.* || *Суст оққан сўвда ҳар хил буюмлар сузарди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Секин иш қиладиган, имиллаган; сусткаш. *Суст одам. Қўли суст қосибдан оёғи чаққон гадоёй яхши. Мақол.* || *Суст ишламоқ.* / Ланж, бўшаган. *Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади.* Мақол. || *Бозор суст.* — *Кечагина бу майдон кўнглисиз, ишлар анча суст эди, одамларда бугунгидай завқ, ғайрат кўринмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Тори суст қ. тор II.**

**СУСТКАШ** [ф-т] Секин қимирлайдиган, имиллаб иш қиладиган; суст, ланж. *Сусткаш одам. Сусткаш уста.*

**СУСТКАШЛИК** I сусткаш с. белги оти. [Али тажане] элталари қошига келиб ёнбошлагач, унинг эски сусткашлиги тўғрисида ҳазил қилишди. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Сусткаш одамларга хос хатти-ха-



ракат, суест иш; суестлик. *Сусткашлик қилмоқ. Сусткашликка барҳам бермоқ.* — *Жўраҳон .. норгул йигитдан бу хил сусткашлик эмас, жўйиқинликни кутар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Назар ака .. сусткашлик билан қадам ташлар .. эди. Ғайратий, «Хосиятсиз» кун.*

**СУСТЛАНМОҚ** Суест бўлиб қолмоқ, секинламоқ, пасаймоқ, сусаймоқ. *Султонали бир оз сустланиб, ўзидан ўн от одими йироққа борган тунқотарни чақириб тўхтатди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**СУСТЛАШМОҚ** 1 Тобора сусайиб, секинлашмоқ, пасаймоқ. *Иш сустлашди.* — *Йўл борган сари оғирлашиб, машина ҳаракати сустлашмоқда эди. Ғайратий, Узоқдаги ёр.*

2 *айн. бўшашмоқ* II 5. [У] интизомнинг сустлашиб кетаётганини, бунга баъзи командирларнинг ўзлари ибрат кўрсатаётганларини .. сўзлади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СУСТЛАШТИРИЛМОҚ** сустлаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**СУСТЛАШТИРМОҚ** сустлашмоқ *фл. орт. н.* Ишни сустлаштирмоқ. Интизомни сустлаштирмоқ.

**СУСТЛИК** 1 суест с. белги оти. Унинг бу қадар суестлигини энди билдим.

— *Юсуфбек ҳожиди .. ўғлининг бу суестликка ўхшаб кўринган ҳолини ёмонга йўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 Суест одамларга хос хатти-ҳаракат, суест иш; суесткашлик. *Ўртоқлар .. ишга келганда суестлик, ҳафсаласизлик қилишди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**СУТ** 1 Эмизикли онанинг кўкрак безларидан ёки эмизувчи она хайвоннинг эмчак безларидан ажралиб чиқадиган оқ суюқлик. [Соҳиб қори:] *Сенга ким кўйди, эрнинг ишига аралашишни? — Умид билан оқ сут берган она-симан, ахир. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Молнинг эмчагидан соғиб олинган шундай суюқлик (овқат ва махсулот сифатида). *Сигир суги. Эчки суги. Ёғли суг. Сут фермаси. Илғор суг соғувчилар. Сутдан оғзи кўйдан қатқини пуфлаб ичар. Мақол. — Шукур, юрт-эл маъмурчилик, колхозимиз бой, сув ўрнига суг оқади. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. Тўхта хола .. Славикни сўрига ўтқизиб, олдида дастурхон ёзди, сугга нон тўғраб олдига кўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Нигора:] Уша сиз мақтаган «Қалдирғоч» ўзидан-ўзи суг бераверадими, ёки биров яхшилаб қараб турса суг берар эканми? С. Анорбоев, Оқсой.*

3 Баъзи ўсимликларнинг танаси, пояси ёки ҳосилдаги оқ суюқлик. *Семиз ўтининг суги. Думбул жўхорининг суги.*

4 Танасида, поясида ёки ҳосилда шундай суюқлик бўлган баъзи ўсимликларнинг номи таркибига кирди, мас. *бўри суг, суг печак, суг тикан, суг чўп.*

◆ *Она сугидай ҳалол (ёки пок) қ. она. Она суги озгига келди қ. огиз. Оғзидан она суги кетмаган ёки она суги оғзидан*

*келиб турган ҳали ёш, турмушнинг аччиқ-чучугини, тажрибасини кўрмаган; гўдак. Оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ қ. оқ. Сут билан кирган, жон билан чиқадиги ёшлиқдан ўрганган одат ўла-ўлғунча сақланади, деган маънода нишлатиладиган матал. Махдум .. Анварнинг бирор камбағал билан «эзимишиб» ўтиранини кўрса, .. «суг билан кирган, жон билан чиқар, мақоли кўп тўғри сўз», деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Хом суг эмган банд (ёки инсон) қ. эммоқ. Сутдан оқ, сувдан тирик беғубор, пок, беғуноҳ одам ҳақида.*

**СУТАК** 1 *айн. тентакқуш.*

2 Содда, гўл.

**СУТКА** [р сутки] Бир кеча-кундузга, 24 соатга тенг вақт ўлчов бирлиги ва шу ўлчовдаги вақт. *Орадан уч сутка вақт ўтди. Беш сутка йўл юрдик.*

**СУТКАЛИ** Белгили сутка давом этган, сутка билан ўлчанадиган. *Йигирма тўрт суткали отқуска.* | Бир сутка давомда юз берадиган. *Кўёшининг суткали ҳаракати.*

**СУТКАЛИК** Бир суткага тўғри келадиган. *Суткалик иш ҳақи. Суткалик ўртача температура.*

**СУТЛАМА** Адир, қир ва тоғларда ўсадиган, захарли суги бўлган кўп йиллик ўт.

**СУТЛИ** 1 Ичида суги бор. *Сутли идиш.* / Таркибида суги бўлган. *Сутли ўт.*

2 Сут солинган, суги қўшилган. *Сутли чой.*

3 Сут берадиган, соғиладиган; соғин. *Сутли сиғир.*

**СУТУН** [ф-т] 1 Устун, столба, колонна. *Пештоқ сутунлари.*

2 Газета, журнал ва ш. к.нинг ҳар бир устунини. *Газета ҳар сониди шаҳар ободонлигига айрим сутун берадиган бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 *айн. графа* 1.

**СУТХҲҲҲ** Сутни яхши кўрадиган, кўп суги истеъмол қиладиган. *Сутхўр бола.*

**СУТХҲҲҲЛИК** 1 сутхўр с. белги оти.

2 *Мирқиқиб суг ичиш. Сутхўрлик қилмоқ.*

**СУТЧИ** Суг соғувчи. *Сутчи аёл.*

— *Оппоқ тонг отган эди. Шаҳар кўчаларига бирпасда жон кириб, асфальт йўлакларда тўқ-тўқ оёқ товушлари, .. сутчиликнинг чақирқиқлари эшитилди. А. Мухтор, Чинор.*

**СУТЧИЛИК** 1 сутчи с. қаб оти. *Сутчилик қилмоқ.* — *Шу тўрттинчи йилда аъзолардан йиғилган суг, қатик, сузма ва сариеғларни сотиш учун шаҳарда сутчилик дўкони очилди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Суг етиштириш. *Сутчиликни ривожлантириш. Сутчилик фермаси.*

**СУТЭМИЗУВЧИЛАР** зоол. Болаларни ўз суги билан боқувчи умуртқали хайвонлар.

**СУТҚОН** Захарли суги бўлган ўсимлик, сутламанинг бир тури.

**СУФ** этн. Дам солганда, дуо ўқиганда беморга ёки унга бериладиган

нарасага нафас уриб чиқариладиган товуш; куф-суф. **Суф демоқ** 1) дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ. *Дадам раҳматли «куф» десалар сувни тексари оқизиб, «суф» десалар кўрнинг кўзини очиб юборадиган улур зот эдилар. Ғ. Гулом, Шум бола; 2) кўчма воз кечмоқ, йиғиштирмоқ; ташламоқ. Суф де шофёрлигига-ю берадиган олти юз сўлақавойига! Қачон пулга зориқсанг, менга келабер. А. Мухтор, Туғлиш. Суф сенга (ёки сизга) кест. баракалла сенга (сизга). Қанақа одамсиз ахир. Суф сизга-е! .. сиз билан ҳазил қиляпмиз-а? Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**СУФ-КУФ** *айн. куф-суф.*

**СУФЛАМОҚ** Дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ, суф демоқ. *Домла .. дуо ўқиб, отга дам урди, суфлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СУФЛЁР** [р<фр] Театрда сахнага чиққан артистларга уларнинг сўзларини айтиб бериб, эслатиб турувчи ходим. *Тажрибали суфлёр. Суфлёр будкаси.*

— *Театримизда .. режиссёр, костюмер, суфлёр .. ҳаммаси бор. Фақат раҳбар йўқ. Ш. Саъдулла, Икки билгазулк.*

**СУФФИКС** [р<лат] грам. Сўз ўзатишга қўшилиб унинг маъносини ўзгартирадиган ёки бошқа сўз билан боғлаш учун хизмат қиладиган морфема; қўшимча. *Сўз ясовчи суффикс. Сўз ўзартувчи суффикс.*

**СУХАН** [ф-т] Сўз; гап; суҳбат. *Сухан қилмоқ. Сухан бошламоқ.* — *Айтмабидим, бўтам .. бу иборадан сухани синиб [сўзи қайтиб] кетган одам йўқ. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Элидан айрилган якка шермикан, Ҳар бир суҳанлари мардонинг дурмикан. Келган бўлсанг мен сўрайман, моможон, Чамбилнинг эгаси Аваз бормикан? «Зулфизар билан Авазхон». Ширин суҳан қ. ширинсуҳан.*

**СУХАНБОЗЛИК** 1 Суҳбат, чақчақлашиш. *У [Раъно] ҳовлида Нафисахон, кампир бувилар билан ҳам жиндек суҳанбозлик қилиб, шатиллаганча жўнади. Мирмуҳсин, Умид.*

2 *айн. сафсатабозлик* 2.

**СУХАНВАР** [ф-т] 1 *айн. суҳандон* 1. *Қулоқ солинг суҳанварнинг сўзига, Ўзи тирик, душман тушмас изига. «Хушкелди».*

2 Кўп гапирадиган; серган.

3 Ширин сўз, ширин суҳан. *Бўз қарчиғай эдинг, парвоз айладинг, Суҳанвар тўтисан, ҳар хил сўйладинг. «Равшан».*

**СУХАНВАРЛИК** 1 суҳанвар с. белги оти.

2 Ширин суҳбат. *Бунда келинг, иним, бир нафас суҳанварлик қилайлик. Ойбек, Навоий.*

**СУХАНДОН** [ф-т] 1 Гапга чечан, сўзамол; нотик.

2 Бадийий сўз устаси. [Шоҳ Ал-Фаробийга дейди:] *Сен дониши суҳандонсан, биламиз, ҳазил-мутойиба қилмоқдасан. А. Мухтор, Чинор.*

**СУХАНЛИК** ширин суҳанлик қ. ширинсуҳанлик.

**СУХАНЧИН** [ф-т] Гап ташувчи, би-

ровнинг гапани бировга етказиб юрвчи; галамис; чақимчи. *Суханчи одам.*

**СУХАРИ** [р] Япроқ-япроқ қилиб, қирқиб қуритилган нон. *Ширин сухари. Сухари билан чой ичмоқ.*

**СУХСУР** I Урдақлар оиласига мансуб қуш, ўрдақнинг бир тури.

2 *кўчма* Сухсурдай гўзал нарса ёки одам ҳақида. [Искандар] афсоналардаги гўзал йигитлар каби бой ҳусн эгаси бўлганидан *кўпгина сухсур*, «санобар» ларнинг юракларини асир қилган. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Вой бўйганингдан онагинанг айлансин! Бунча сухсур экансан, худди сутга чўмилтиргандай-а!* Х. Фулом, Машъал.

**СУЧУК** айн. *чучук.*

**СУЧУКТОМОҚ** Ширинликни яхши кўрадиган, чучуктомоқ, ширинтомоқ.

**СУШИЛКА** [р] Бирор нарсани қуритиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Газ сушилка. Электр сушилка.* | Шундай қурилма ўрнатилган хона, жой. *Пахта сушилкаси.* — [Жўрабой] кечалари сушилкада, пунктда юриб, ала-палада уйига қайтар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**СУЮК(ЛИ)** Энг яхши кўрилган, севиқли. *Суюкли фарзанд. Суюкли дийёр.* — *Ота ҳам суюкли хотин томонга оғиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**СУЮЛМОҚ** I I Велгили даражадан суюқроқ бўлмоқ. *Лойча сувни кўп қуяверманг, суюлиб кетади.*

2 *физ.* Сиқилиб ёки эриб суюқ ҳолга келмоқ (газ ёки қаттиқ жисмлар ҳақида).

♦ **Мияси суюлибди** ақли пасайибди, мияси айнибди. *Маҳдум уламо, амалдор ва гафйрлардан шунинг каби сипоришларни .. қабул қила-қила жуда мияси суюлган эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. **Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган** ёши анча улғайган бўлса-да, бемаъни ишларини, одатларини, қилиқларини ташламаган одам ҳақида. — *Ҳали ҳам ўша ишқимлигини қолмабди. Қариб қуюлмабсан, ачиб суюлмабсан.* — *деди мулла Мамасолиҳ худуд сўфига.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

**СУЮЛМОҚ** II Сийлаган, ҳурмат-иззат қилган ёки эрқалатган сари ҳаддан ошмоқ, чегарадан ташқари иш қилмоқ. *Суюлиб кетган ошқининг тантилиги тугиб кетди.* И. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. *Кенжатоийм, кенжатоийм деб, аслида буни ўзларингиз бузгансизлар. Эрқалатганингиз сари бу ҳам аталдек суюлиб кетяпти.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

**СУЮЛТИРИЛМОҚ** суюлтирмоқ I *фл. мажх. н.* Суюлтирилган газ. — *Таркибида оз миқдорда эриган мода бўлган эритма, одатда, суюлтирилган эритма дейилади.* «Химия».

**СУЮЛТИРМОҚ** I суюлмоқ I *фл. орт. н.* Газни суюлтирмоқ. — *Латифнинг морознийси тузаб, микобча бўшиб қолган, Моҳидил эса қошиғи билан эғилаб, суюлтириб ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**СУЮЛТИРМОҚ** II суюлмоқ II *фл.*

*орт. н.* У [Хатминисо] ўзининг тўнғич қизи *Ҳамидани* игна ушлаш, хамир қорши, ош пиширишга ўргатарди. *Тажаанг бўлгани учун гоҳ бошига муштлаб ишга ўргатар, гоҳ эрқалатиб суюлтириб юборарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**СУЮНАРЛИ** айн. *севинарли.*

**СУЮНМОҚ** айн. *севинмоқ.*

**СУЮНЧ** айн. *севинчи.*

**СУЮНЧИ** айн. *севинчи.* [Фуломжон:] *Яхши гапми? Суюнчисини берсангиз айтман, — деди Дилшод.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тушини айтиб, суюнчини сўради, Суюнчица Барчин тилла берди.* «Алломиш».

**СУЮНЧЛИ** айн. *севинчли.*

**СУЮРҒОЛ** тар. Шоҳ, хон, амир томондан амалдор ва саркардаларга алоҳида хизмати учун инъом қилинган ер-сув, ер-мулк.

**СУЮТИЛМОҚ** суютмоқ *фл. мажх. н.*

**СУЮТМОҚ** кам қўлл. суюлмоқ I *фл. орт. н.*

**СУЮК** I Оқиб ва ўзи ишғол қилиб турган идиш шаклини олиш хусусиятига эга бўлган. *Суюк жисм. Суюк мода. Суюк ёқилғи.*

2 Суви меъёридан ортиқ ёки нисбатан кўп бўлган; серсув. *Яна бир кетмон урганда ажриқзордан билқиллаб суюқ лой чиқди-да, кейин кучли тиниқ сув тикка отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Маза, куч берувчи таркибий қисми меъёридан кам ёки нисбатан оз бўлган; кучсиз. Суюқ сут. Суюқ қаттиқ. Суюқ эритма.* — *Ҳайдарбойнинг кўрмисиз чойнақларидаги қуюқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Суюқ ош угра оши; хўрда, мастава, мошхўрда ва ш. к.*

3 Унчалик қалин, зич бўлмаган; даккам-дуккам, сийрак. *Суюқ тутун.*

— *Офтоб ҳали қор ташлаган суюқ оқиш булутлар ортидан чиқмаган бўлса ҳам, туша бориб ҳамма ёқ илиб кетди.* П. Қодиров, Уч илди.

4 *кўчма* Мазмунан саёз, сийқа ёки бемаза. *Суюқ гап. Суюқ асар.* — *Постановканг «ёғи олинган сутга ўхшайди, суюқ», деб танқид қилдим.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

5 *кўчма* Фаҳш йўлига кирган; бузуқ. *Суюқ йигит.* — *Комиссия аъзоларининг бири .. номаълум суюқ эрқаклар ва оёғи енгил хотинлар тўғрисида гап айлантиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || *Умиднинг ўрнига бу суюқлар рўбарў келди. Қанақаниг тескари кўреулик бу?* Ш. Фуломов, Ерқин уфқлар. **Суюқ оёқ** айн. **суюқ** 5. [Умиднинг] баъзан юраги орзиқиб тушади; кимдандир эрига хиёнат қилиб юрадиган бир аёлни эшитган эди. *Одамлар суюқ оёқ хотинига эмас, расволикни бўйнига олган эрдан жирканишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**СУЮКЛАНМОҚ** айн. суюлмоқ I.

**СУЮКЛАШМОҚ** I Суюқ ҳолга келмоқ, суюлмоқ.

2 *кўчма* Мазмунан саёзланмоқ, сийқаланмоқ ёки бемазалашмоқ.

3 *кўчма* Ахлоқий жиҳатдан ёмонлашмоқ.

**СУЮКЛИК** I Оқиш ва ўзи ишғол қилиб турган идиш ҳажмини олиш хусусиятига эга бўлган жисм. *Суюқлик ва газлар. Сув табиатда ён кўп тарқалган суюқликдир.* — *Петр Филлипич девор бўйлаб қатор қўйилган шкафларнинг биридан оғзи маҳкам беркитилган ишша олди. Унинг ичида чой рангидаги суюқлик бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 **суюқ** I—4 с. белги оти. *Модданинг суюқлиги. Сутнинг қуюқ ёки суюқлигини ўлчамоқ.* — *Аброр Нишонбойнинг гапи суюқлигига ишора қилиб: гап суюқ бўлганидан қуюқ бўлгани яхши эмасми? — деди.* П. Қодиров, Қалбадаги қуёш.

3 *кўчма* Фаҳш йўлига кирган кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қилиқ. *Қунлардан бириди у беадиблик қилгани учун бир шаддод қиздан шаталоқ егани эсида. Уша-ўша, Валивой қизларга суюқлик қилмайдиёган бўлди.* Х. Назир, Онайиш.

**СУЮК-ҚУЮК** айн. **қуюқ-суюқ.** *Суюқ-қуюқдан кейин Моҳидила оқ йўл тилашлар, беҳисоб истаклар баён қилинди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**СУЯК** I Тана скелетининг ҳар бир қисми; сўнғак. *Ўмров суяги. Тизза суяги. Суюқ оғриғи. Суюқ сили.* — *Она йулни танимади. Ботирали ҳаддан ташқари толган, юз суяклари бўртиб чиқиб, кўзлари ич-ичига кириб кетибди.* Х. Фулом, Машъал. *Куз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кеча Ҳомид ханжарли қўлини силтаб тортганда, ханжар унинг [Отабекнинг] бош бармоғи орасини суякка етуғунча шириб кетган эди.* А. Қодирӣ, Утган қунлар.

**СУЯКИ** бузуқ суяклари йўғон, бўлиқ, бўлала. **Суяклари чиққан** (ёки санали қолган) айн. **қуруқ суяк.** **Суяги қотмаган** етилмаган; ёш, гўдак. *Мен мағрурликка берилиб, суяги қотмаган ўғлимни бу қўшинга .. бош қилиб юбордим ва макманликнинг жазосини тортдим.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Қуруқ (ёки қок) суяк** жуда ориқ, озғин, қотма. **Эти суягига ёпишган** айн. **қуруқ суяк.** *Тишлари тушиб, жағи-жағига киришиб кетган катта бузиси ҳассасини ерга тақ эткизиб урди-ю, қуришиб эти суягига ёпишиб кетган башарасини буриштириб шанғий бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. / *Сўйилган молнинг этли устухони. Суюқ қайнатмоқ. Суюқ тозаланоқ.* — *Бўйи шишалар, консерва қутчалари, ғажилган суяклар ерга сочилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. / *Этдан тозаланган устухон (хомашё, материал сифатида). Суюқ елими. Суюқ тайёрламоқ.* || *Суюқ тугма.* — *Кўпол ағдарма этигининг кўнжидан пичоқнинг оптоқ суяк сопи кўришиб турарди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 сфрт Жуда ориқ, озғин. *Суяқ одам.*  
— Чол сесканиб бошини кўтарди, иш-  
гитни кучоқлаб, суяқ қўллари билан  
унинг елкасини силади. Ойбек, Қутлуғ  
қон.

3 кўчма Авлод, насл. *Суяқ сурмоқ қ.*  
*сурмоқ.*

◆ *Суяги йўқ* ҳеч нарсани йўқ демай-  
диган, қайтармайдиган; хирс қўйган  
одам ҳақида. *Кишиларини айтинг:*  
*хушчақчақ, улфати. Меҳмон деса жо-*  
*нини бериб богиради, аскияга-ку асти*  
*суяги йўқ.* Шухрат, Шинелли йиллар.  
*Суяги тинч* ғам-ташвишни билмайдиган,  
ҳеч ғами, ташвиши бўлмаган одам  
ҳақида. *Суяги тинчиб қолди* ғам-таш-  
виш, жанжал ва ш. к.дан қутилди,  
ўзидан тинчиб, хотиржам бўлиб олди.  
*Тилининг суяги йўқ* тилни тиймасанг,  
ҳар нарсани гапираверди, кўнгилга  
келганини қайтармайди. *Аваали уриш*  
*бўлмасин, уриш бўлгандан кейин тил*  
*ўлуғнинг суяги йўқ.* А. Қаххор, Кўш-  
чинор. *Бирор ишда суяги қотган* бирор  
ишда кўп ишлаган, вояга етган, чиниқ-  
қан; тажрибакор. *Мени кичкина, ним-*  
*жон деманг. Далада ўсганман. Кетмон-*  
*да суягим қотган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Суя-*  
*гига (ёки суяқ-суягига) сингимоқ* одат  
ҳукмига кириб мустағкам ўрнашиб ол-  
моқ, ўрганиш бўлиб қолмоқ. *Пичоқ (бо-*  
*риб) суякка қадалди (ёки такалди, етди,*  
*тегди)* аҳвол чидаб бўлмас даражага  
етди, сабр қосари тўлиб тошди. *Пичоқ*  
*суякка етди.* Ғулмонжон ортиқ тоқат  
қилолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.  
*Арзанданинг тоқати тамом бўлипти,*  
*ранги сонем бўлипти. Охири пичоқ су-*  
*якка етипти, бой ҳовлисида қочиб*  
*кетипти.* Ё. Шукуров, Она мяхри.

**СУЯҚДОР** Суяклари йўғон, бўлала,  
бўлиқ, суякли. *Суяқдор йиғит.*  
— *Кенг, ёп-ёрғун саҳнда .. суяқдор, бўй-*  
*чан, хунуқкина одам чавандозга дуч*  
*келди, қўл узатиб кўришмоқчи бўлди.*  
Ойбек, Қутлуғ қон.

**СУЯҚЛАНИШ** физиол. Суякка ай-  
ланиш. *Суяқланиш процесси.*

**СУЯҚЛИ** айн. *суяқдор.* *Суякли, бўй-*  
*чан йиғит.*

**СУЯЛИШМОҚ** *суялмоқ* 2 фл.  
бирг. н. *Улар бир-бирига суялишиб*  
*қолганга ўхшайди. Раззоқ Эъвозонни*  
*севиб қолибди.* Х. Ғуллом, Машғал.

**СУЯЛМОҚ** 1 *суялмоқ* фл. мажҳ. н.  
*Дарахтга суялган нарвон.* — *Дутор-*  
*нинг деворга суялгани, Ҳаётнинг ўрни-*  
*дан тургани эшитилди.* М. Исмоилий,  
Фарғона т. о.

2 *суялмоқ* фл. ўзл. н. *Комил деворга*  
*суялганча халға берилди.* Х. Ғуллом,  
Машғал. *Шокир ота ҳассасига суялиб,*  
*ўрнидан турди ва тарадудланиб сўз-*  
*лади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ҳақимбойвач-*  
*ча танчага ўтириб, орқасидаги ёстиқча*  
*суялди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кейин*  
*Гулнорга худо берди, у эрка-арзанда хо-*  
*тин бўлиб, эрига суялиб, кўнглига ни-*  
*ма келса, шуни қилади.* Ойбек, Қутлуғ  
қон.

**СУЯЛТИРМОҚ** *суялмоқ* 1 фл.  
орт. н. айн. *суялмоқ* 1.

**СУЯМ** Ёзилган ҳолдаги кўрсатғич  
бармоқ уч билан бош бармоқ учигача  
бўлган масофага тенг узунлик ўлчови.  
*Кўксиди бир суямча ямоқ-яра.* Ғ. Ғуллом.  
**Беш суям** таҳминан бир метр.

◆ *Бир суям* озгина, кичкина, бир  
парча. *Бир суям нон.* — *Бир суям бўлса*  
*ҳам ўз мулкнингиз.* А. Қаххор, Сароб.

**СУЯМОҚ** 1 *Бир* учини ерга, иккинчи  
учини бирор тик нарсага тақаб тур-  
ғизиб қўймоқ; тирамоқ, таямоқ. *Нар-*  
*вонни деворга суяб қўймоқ.* — *Саллали*  
*остонада шошилмасдангина кавушини*  
*ечди, узун қора ҳассасини деворга суяди.*  
П. Турсун, Ўқитувчи. *Ибодилла серра-*  
*иб турар, Абдураҳмонбой ҳам ётган*  
*ўрнидан турғизилиб, айвон олдига суяб*  
*ўтқазиб қўйилган.* Х. Ғуллом, Машғал.

2 *Бирор еридан тутиб, кўтариб ма-*  
*дад бермоқ. Беморни қўлтиғидан суяб*  
*бормоқ. Йиқилганни суяб турғизиб*  
*қўймоқ.* — *Кампир, азиз меҳмонларни*  
*ўтқизгандан кейин, чолни суяб олиб*  
*кирди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. *Зағча-*  
*кўз қоронғида ҳассасини бошига жой*  
*тополмай туртиниб, бир дўнғ ерга*  
*қоқилиб кетди, Мадамин энциллик бил-*  
*лан ёнбошидан суяб қолди.* П. Турсун,  
Ўқитувчи.

3 *кўчма* Мадад, ёрдам бермоқ; қўлла-  
моқ. *Сен йўғингда мени шулар суяб*  
*юршиди-да.* Х. Ғуллом, Машғал.

**СУЯН** Карпсимонлар оиласига ман-  
суб, овланадиган қимматли йирик ба-  
лиқ.

**СУЯНИШМОҚ** *суялмоқ* фл. бирг. н.  
*Ҳаммалари деворга суянишиб ўтири-*  
*шибди.* — [Бобонинг] *теғдошларидан*  
*кўплари қазо қилиб, уч-тўрт қария*  
*бир-бирларига жуда суянишиб қолиш-*  
*ган.* Мирмухсин, Умид.

**СУЯНМОҚ** 1 Орқасини, елкасини,  
кифтини бирор нарсага тираб ўтирмоқ  
ёки турмоқ. *Деворга суялмоқ.* *Ёстиққа*  
*суялмоқ.* — [Тожибой] *анҳор бўйида*  
*тераққа суяниб, ботиб бораётган қуё-*  
*синг қизғиш шуғлларига тикилди.*  
С. Аҳмад, Мухаббат. *Ҳайдар билан*  
*Ҳақназар бир-бирига суяниб, қўшиқ*  
*айтиб ўтириб қолишди.* И. Раҳим,  
Ихлос. / *Гавда оғирлигининг бир қис-*  
*мини бирор нарсага солмоқ; таянмоқ.*  
*Ёзилган тайёққа суянма, сени ҳам эгади.*  
Мақол. — *Чолнинг .. ҳассасага суяниб*  
*олган қадди бирдан ростланди, кўзла-*  
*ри алам билан ёнди.* М. Исмоилий,  
Фарғона т. о.

2 *кўчма* Мадад олмақ, ёрдамча таян-  
моқ, ёрдамга таяниб иш тутмоқ. *Халққа*  
*суянсанг — бўласан, халқдан*  
*чиқсанг — сўласан.* Мақол. — [Дил-  
бар:] *Шундай раслар бор, илғорларга*  
*суянади, яхши ташаббусни қўллаб-қув-*  
*ватлайди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.  
| *Ишонмоқ, таянмоқ; асосланмоқ.*  
*У кимга суяниб чиранади? Бу гапни ни-*  
*мага суяниб айтдингиз?* — — *Меним-*  
*ча,— ўйланиб гапирди Йўлчи,— айб ёл-*  
*ғиз пулда эмас. Айб одамларда, тўғри-*  
*си, пўлдор акаларда. Пулга суяниб ҳар*  
*бир номаъқулчиликни қиладилар.* Ой-  
бек, Қутлуғ қон. *Суяниб қолмоқ* ёрда-

мига қараб қолмоқ, ёрдамсиз яшай ол-  
май қолмоқ. *Чоли кампир бир-бир-*  
*ларига суяниб қолган, бир-бирларига*  
*жуда меҳрибон.* Ойдин, Ширин келди.  
**Сува суялмоқ** пуч нарсага, бебурд  
кимсага суялмоқ. *Энди ўзингизга кел-*  
*дингиз, милорд, сува суялган қочоқ бе-*  
*ни сариқ қакага ҳам олмайсиз.* С. Ази-  
мов, Оплоқ тонг қўшиғи.

◆ *Суялган тоғи* ишонган кўмакчиси,  
ёрдамчиси, мададкори. *Москва халқ-*  
*ларининг суялган тоғи, Хур, овоз вл-*  
*ларнинг машғал чироғи.* А. Пўлат.

**СУЯНТИРМОҚ** *суялмоқ* 1 фл.  
орт. н. айн. *суялмоқ* 1. *Деворга суянтир-*  
*моқ.*

**СУЯНЧ** Таянч бўлиб хизмат қилув-  
чи, мадад берувчи куч; таянчиқ, таянч.  
*СССР халқларининг бирлиги Ватани-*  
*миз қудратининг суянчиғидир.* / *Ишон-*  
*са, таянса бўладиган, қўллаб-қўлтиқ-*  
*лайдиган кимса, нарса. Раис ёнида ўт-*  
*тиз-ўттиз беш центнер учун кураш-*  
*ётган Қулмурод Муҳаммадалиев, Шод*  
*Умиров каби суянчилар бор экан, бу йил*  
*ҳам колхознинг иши «беш» бўлади.*  
А. Эшонов, Қарвондан ортда қолмай.

**СУЯНЧИҚ** 1 *Ўрнидикларнинг суя-*  
*ниш ёки тирсақларни тираб ўтириш*  
*учун хизмат қиладиган қисми. Стуя-*  
*нинг суянчиғи.* — *Дадавой .. белини ю-*  
*шоқ суянчиққа тираб ўтирар .. эди.*  
Х. Ғуллом, Тошкентликлар. — *Оббо,*  
*лағнатилар,— деди Тожибой чорпо-*  
*нинг суянчиғига чиқиб, — яна аллақа-*  
*ерга ўт қўйишиди.* С. Зунпунова, Гул-  
хан.

2 *кўчма* айн. *суянч.* *Оиланинг суя-*  
*ничи.* — *Гулбодом онадан ажралди.*  
*Нақадар оғир! Ахир у Гулбодомнинг*  
*бирдан-бир суянчиғи, қайрилмас қо-*  
*ноти эди-ку!* С. Қароматов, *Бир томчи*  
*қон.* *Мусулмонқулнинг биринчи суянчи-*  
*ғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчи-*  
*си — уламолар эди.* А. Қодирий, *Ўтган*  
*кунлар.*

**СУЯТМОҚ** *суялмоқ* 1 фл. орт. н. *Ат-*  
*рофига тош суятиб, маҳкамлатди.* *Яна*  
*тектириб кўрди — тўғри кўмилган,*  
*уч хода бир чизикда эди.* М. Исмоилий,  
Фарғона т. о.

**СУЯШМОҚ** *суялмоқ* фл. бирг. н. *Нар-*  
*вонни деворга суяшибди.* *Барака то-*  
*пишсин, оғир кунларимда мени суяшди.*

**СУЯҒИЧ** Суяб кўтариб турниш учун  
хизмат қиладиган нарса; тирговуч.

**СУҚ** 1 *Кимсанин оғзиндаги, қўли-*  
*даги, олддаги овқатига ҳавас, суқлик*  
*билан қаровчи; бировнинг дастурхо-*  
*нига бетакаллуф суқилувчи; очкўз.*  
*Суқ одам. Барра каболларга суқ билан*  
*тикилмоқ.* || *Суқ тўймас, ўғри бой*  
*бўлмас.* Мақол. — *Қодиров қизнинг қу-*  
*либ турган кўзларига суқ билан терми-*  
*либ стаканини тутди.* Ш. Рашидов,  
Бўрондан кучли. *Бозоров Адолатага*  
*ютиб юборгудек суқ назар ташлади.*  
И. Раҳим, *Ғон муҳаббат.*

2 этн. «Ёмон кўз», кинна. *Даф бўл,*  
*фалокат шўртмушук, Тегирмонда туз*  
*еган суқ, кет, кет, кет, кет!* Ҳамза.  
*Ажаб бўпти! Ўғлингизга ҳали бу ҳам*

ов! Бўлмаса Зулфия кимдан кам? Хуснига суқингиз киради. О. Ёқубов, Чин мухаббат. **СУҚИМ** тушди суқим келди. Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб берман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Мени дуо қилаверинглар. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СУҚАТОЙ** Суқ, очкўз бола; суқтой. — Мен суқатой эмасман, — Набижон Арслон берган олмани олмади. К. Рахим, Суқатой.

**СУҚИЛМОҚ** 1 суқмоқ *фл. мажх. н.* Девор кавагига суқилган қозиқ. Қинга суқилган ханжар. — [Чол:] Аммо-лекин шунақаям бопапани, уясига чўп суқилган асаларидай ўзларини қайққа уришларини билмай қолишсин. О. Ёқубов, Қахрамон излаб.

2 Ичга, орасига ёриб кирмоқ, тикилиб орасига кириб жойлашмоқ; тикилмоқ. Танчага суқилмоқ. Кўрпа орасига суқилмоқ. — Йўлчи лой йўлдада оёқларини солиб ўтирган қатор ҳаммоллар ёнига суқилди. Ойбек, Қутлуғ қон./Бошпана, нажат излаб ўзини бирор ерга урмоқ, бош суқмоқ. Суқиладиган бошқа кавак қолмади. С. Аҳмад, Хукм. Бағрига (ёки кучоғига) суқилмоқ бағрига кирмоқ. Тўраҳон эрининг кучоғига суқилди. Бошини Тешабойнинг кўкрагига қўйиб, пиқиллаб йиғлай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Кўйма Билдирмасдан ёки сурбетлик, зўрлик, хиралик билан бирор коллектив, ташкилот ва ш. к.га кириб слмоқ. Қўпчиликка том устидан қарайдиган бу зотлар бундай пайтларда «мансабдан тушиб» кўпчилик орасига суқилишга мажбур бўдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Динни хор қилишга йўл қўймаймиз! Шу ният билан мажлисга илондай суқилиб кирган бир неча қора гуруҳлар қичқириб, унинг сўзларини ёклашди. Ойбек, Нур қидириб.

4 Қотишмоқ, аралашмоқ. Орага Мاستура хола суқилди. Ха, юра турсин, синглингиз, меҳмон. Жуда соғиниб ўлганман. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. [Зулфия:] Мен уни деб .. сизни ҳам, Рустам акамни ҳам хафа қилдим. Агар у келиб суқилмаганда биз бахтли бўлардик. О. Ёқубов, Чин мухаббат. Гапга (ёки сўзга) суқилмоқ гапга аралашмоқ. Нигора .. рози бўлишга ҳам тайёр турганда, кампир яна гапга суқилди. С. Аҳмад, Пойқадам. — Кўп ҳовлиқини ярамайди, афандим, — бойбачча суқилди сўзга — савз дарё шовқин билан, чуқур дарё сокин оқади, деган гап бор. Ойбек, Нур қидириб.

**СУҚИШМОҚ** суқмоқ *фл. бирг. н.*

**СУҚЛАМОҚ** 1 *эпн.* Суқ кирган кишини дам солиб «даволамоқ», кинна солмоқ.

2 с. т. «Суқ-суқ» деб қўймоқ (бошқа одам емасин деб тақиқлаб қўймоқ).

**СУҚЛАНМОҚ** Суқ назар, ҳавас ёки эхтирос билан боқмоқ; ҳаваси келмоқ. — Узинг-чи? Гулзора бўйин чўзган туюдай, ҳар аёлга суқланасан! — деди Али тажанг жаҳл билан. Ойбек, Қуёш

қораймас. Осмонда юлдузлар чарақлайди, тўлин ой шарқдан чиқиб келар эди. Осмон чаманига суқланиб, сунада бир оз ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эшқак тортаётган Полвон суқланиб бир оёга, бир сувга боқар, нақадар гўзал манзара! Ж. Шарипов, Хоразм.

**СУҚЛАНТИРМОҚ** суқланмоқ *фл. орт. н.* Кремлинг юлдузлари Олтиндан гўзал. Юракларни суқлантирар Чақнаши машғал. Ф. Ғулом.

**СУҚЛИ** Суқ-ҳавас билан тўлиб-тошган; ҳавасли, эхтиросли. Суқли назар. — Нигора сувдан чиққанда баданндаги томчилар гўё бегона суқли кўзларни қайтаришга қасд қилгандай, қуёш нурда марвариддек ялтиради. С. Анорбоев, Оқсой. || Кенг қирларга суқли боқиб Борар эдим бир ўзим, Она юртим чиройига Тўймас эди ҳеч кўзим. Шухрат.

**СУҚЛИК** суқ 1 с. белги оти. Суқлик қилмоқ. Суқлик хўрлик келтирар. Мақол.

**СУҚМА** Суқиб қўйиладиган, тикма. Суқма даста.

**СУҚМОҚ** 1 Куч ёки зарб билан учли нарсани бошқа бирор нарсага киргизмоқ; санчмоқ, тикмоқ. Найза суқмоқ. Қазига иена суқиб дамнини чиқармоқ. — Кўнглим .. биров пичоқ суққандай, ёниб, ўртаниб кетаёттибди. Х. Ғулом, Машғал. Бобоқул она .. баб-баравар кесилган, учлари йўнлиган учта чиллакни танади-да, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб суқди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бирор йўсинда жойламоқ, тикмоқ. Ханжарни қинга суқмоқ. — Арслонқул қилчичи бир қаришча суғуриб, пўлатица тикилди-да, яна суқди. Ойбек, Навоий. Райҳонбиби никоҳ қоғозини олиб қўйин чўнтагига суқди. П. Турсун, Ўқитувчи. Али тажанг ўзида йўқ қувонди. Нонни дарров қўлтиққа суқди-да, катта бурда уяштиб, оғзига тикди. Ойбек, Қуёш қораймас. Бек.. болта сопини камарица суқиб, отнинг бўйнидан икки қўллаб қучоқлаб олди. Х. Ғулом, Машғал.

◆ Бош суқмоқ қ. бош. Бурун суқмоқ *айн.* бурун тикмоқ қ. бурун 1. [Бировнинг] киссасига (ёки ҳамёнига, чўнтагига) қўл суқмоқ бировнинг киссасига, пулига қўл урмоқ, хўжайинлик қилмоқ. Ука, мен ҳақимни сўрайман. Бировнинг киссасига қўл суқайтганим йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга гапни фикринга, мақсадинга тушунадиган, сенга жон куйдирадиган одамга гапир, деган маънода ишлатиладиган матал. [Бўтабой ака] «тушуштириш керак» дейдилар, тўғри, лекин «гапни айтгин уққанга, жонин жонга суққанга, гапни айтиб нетарсан, онаси бемаҳал туққанга!» А. Қаххор, Қўшчинор. Икки қўлини бурнига суқиб қ. бурун 1. Қўзига чўп суқмоқ *айн.* кўзига чўп солмоқ қ. кўз.

**СУҚСУҚ** Ўрдақлар оиласига ман-

суб, ёввойи ўрдақдан кўра кичикроқ қуш.

**СУҚТИРМОҚ** суқмоқ *фл. орт. н.*

**СУҚТОЙ** *айн.* суқатой. **СУҚУТ** [с] *эск. кт.* Китобнинг, текстнинг тушириб қолдирилган, етишмайдиган ери.

**СУҒД** қ. суғдлар. Суғд халқи. Суғд тили.

**СУҒДИЙ** Суғдларга, суғд халқига оид.

**СУҒДИЙЛАР** *айн.* суғдлар.

**СУҒДЛАР** Эрамиздан олдинг минг йиллик даврнинг ўрталаридан бошлаб Зарафшон водийсида яшagan ва бу ўлкада юксак маданият яратган қадимий эроний халқ.

**СУҒОРИЛМОҚ** суғормоқ *фл. мажх. н.* Суғориладиган ерлар. Моллар вақтида суғорилди. Суғорилган пўлат. — Ғўзалар суғлаётган пайт. Агар улар шу пайтда суғорилмаса, бригаданинг меҳнати зое кетади. И. Рахим, Чин мухаббат. Мен .. Гулжамола қўли билан ёзилиб, меҳр, вафо билан суғорилган ҳалиги сатрларни такрор ўқидим. Н. Сафаров, Севги.

**СУҒОРИШ** 1 суғормоқ *фл. иш оти.* Ғўзаларни суғориш. Бостириб суғориш. Жилдирашиб суғориш. — Айланма сув этакка бориб етганда, суғориш тамом бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Экин майдонларини сув билан таъмин этиш, сув чиқариш чора-тадбирлари ва воситалари мажмуи. Суғориш тармоқлари. Суғориш системаси.

**СУҒОРИШМОҚ** суғормоқ *фл. бирг. н.*

**СУҒОРМОҚ** 1 Сув йўлини очиб ўсимликни сувга қониқтирмоқ, сув қўймоқ. Экин суғормоқ. Ғўзаларни суғормоқ. Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, қулиб-қулиб суғорасан. Мақол. — Беда қовжираб бормоқда, суғормаса меҳнати бекор кетади. Ж. Шарипов, Хоразм. Матхалиқ ака, қанча ерни суғориб, қанча ерда дарахт кўкартиргандан кейин, Абдуракул икки яшар чоғида .. ўлиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Сув бермоқ, сув ичирмоқ. Молларни суғормоқ. — Туяни чўмич билан суғориб бўлмаганидек, ҳаммомни ҳам ғўзапоя билан қизитиб бўлмайди. И. Рахим, Хаёт булоқлари. Пулнинг қадрини бил, лўлининг зиғинини суғориб, пулини ол. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Кўйма («билан» сўзи иштирокида) Тарбияламоқ, сингдирмоқ. Ешларни коммунистик руҳ билан суғормоқ.

— Оммани революцион онг билан суғориб ва революцион курашга кўтариб, революцион пролетариатнинг авангарди бўлишга эришиши, бу — жуда қўйин, лекин шу билан бирга жуда муҳим иш. В. И. Ленин, Публицистнинг мулоҳазалари.

4 *тех.* Тобламоқ. Пўлатни суғормоқ.

**СУҒОРТИРИЛМОҚ** суғортирмоқ *фл. мажх. н.*

**СУҒОРТИРМОҚ** суғормоқ 1, 2, 4 *фл. орт. н.* [Худоберхон] узоқ жойдан ариқ

қазитиб келиб, Оқсарой атрофини суғуртирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**СУҒОРУВЧИ** 1 суғурмоқ фл. ш. оти.

2 ай. сувчи 1.

**СУҒУР** Тийинсимонлар оиласига мансуб, мўйнали кемпрувчи сүтэмизувчи хайвон.

**СУҒУРИЛМОҚ** 1 суғурмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажх. н. Тиш осонгина суғурилади. Қилич қинидан суғурилади. — Сулаймон ақанинг сўзи қинидан суғурилган қиличдай кескир бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўйма с. т. Билдирмай, сездирмай секингина чиқиб кетмоқ; сирғилмоқ. Малла тўнли малла киши хамирдан суғурилган қилдай, зикрилар орасидан суғурилиб чиқди-да, хотин орқасидан юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СУҒУРИШМОҚ** суғурмоқ 1, 2 фл. бирг. н.

**СУҒУРМОҚ** 1 Ўрнашган жойидан куч билан тортиб чиқармоқ. Илди суғурмоқ. Тиш суғурмоқ. Омбур билан миш суғурмоқ. — Кеча ёмғир ёққан.. бўлишига қарамай, ғўзапоя суғуришига тушишди. Ойдин, Келин ўғил туғибди. Сизир қозиқчи суғуриб .. Матчон тўранинг пахтазорига кириб ғўзаларини ямаляпти. Ж. Шарипов, Хоразм. / Чувимоқ, тозаламоқ (кўсак ҳақида). Ғўза чувиб ўлтирувчи бир кекса кўр киши кўлидаги ғўза пўчок ва суғурган пахтаси билан, бошини баланд кўтарди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. / Тиқилган, ботган жойидан чиқариб олмоқ. Мўйтаннинг кекса балиқчиси .. чориғини лойдан зўрға суғуриб қора тунун ичига кириб кетди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Хамирдан қил суғургандай қ. хамир. / кўйма Бирор ердан, тўдадан, муҳитдан ажратиб, узиб олиб кетмоқ. Попукдай қизни иссиқ уясидан суғуриб олиб келдим. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Солиб қўйилган, жойланган еридан чиқармоқ, чиқариб олмоқ. Пичоқни қиндан суғурмоқ. — Кудрат олдинга тушди, миришаб қиличини суғурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бек .. отни қўйиб юбориб камаридаги болтани суғуриб олди. Х. Фулом, Машъал.

3 кўйма Сўриб, тортиб олмоқ; олиб қўймоқ. Безгакни ҳазил фаҳмлама. Қиши кучини суғуриб, шалпайтиради. Ойбек, О. в. шабадалар. / Чиқариб юбормоқ, тарқатмоқ, ёзмоқ. Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги, жанг-жадал суронлари ҳордигини суғуриб олаётгандай бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Жонни** (ёки юракни) суғуриб олмоқ қаттиқ руҳий ёки жисмоний азоб бермоқ, ўлгудай қийнамоқ, жонини олмоқ. Тишим жонимни суғуриб олаётгандай оғрияпти. — Самолётларнинг машъум садоси юракни суғуриб олғудай таъсир қиларди. Ойбек, Куёш қораймас. Таг-томири билан суғуриб ташла-

моқ бутунлай юлиб ташламоқ. Юракдан (ёки кўнгилдан, миядан, хаёлдан) суғуриб олмоқ дилдан чиқариб ташламоқ, батамом унутмоқ. [Туйғуно:] Бари-бир унинг [Раҳимовнинг] номини юрагимдан суғуриб ташлай олмайсиз. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**СУҒУРТА** ай. страхование. Суғурта қилмоқ. — Хўжайиндан кўплашиб суғурта пули ундириб бермоқ лозим. Р. Раҳмон, Шароф кофир.

**СУҒУРТАЛАМОҚ** Суғурта қилмоқ ёки қилдирмоқ. Мол-мулкни суғурталамоқ.

**СУҒУРТИРМОҚ** суғурмоқ фл. орт. н. Тиш суғуртирмоқ. Ғўзапояларни суғуртира бошламоқ.

**СУҒБАТ** [а] 1 Икки ва ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро сўзлашув; мусохаба; гурунг. Қизгин суғбат. Гангир-гунгир суғбат. Хушчақчақ суғбат. Суғбати ширин одам. — Нури .. хотинларнинг суғбатига .. паршон ҳолда қулоқ солиб, .. ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Зидилла] эр-хотин ўртасида бўлиб ўтган суғбатни икир-чикиригача сўрди. Х. Фулом, Машъал. **Суғбат қилмоқ** (ёки айламоқ, қурмоқ) йиғилишиб суғбатлашмоқ, гаплашмоқ, мусохаба қилмоқ; гурунглашмоқ. У қосиблар, камбағаллар .. билан суғбат қилар, суғздан, ҳаётдан, шидан сўзлар эди. Ойбек, Нур қидириб. Навбахор, очилди гўллар, сабза бўлди боғлар, Суғбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар. Муқимий.

2 Бирор мавзуда эшитувчилар билан фикр алмашинув, савол-жавоб тариқасида ўтказиладиган машғулот. Халқаро аҳвол ҳақида суғбат. — Сафаров, .. агитаторлар билан суғбат ўтказгандан кейин, Бўтабой ака билан Найманга — сельсоветга борди. А. Қаҳҳор, Кўшчино.

3 кўйма кам қўлл. Ўтириш, улфатчилик. Тантубойовча .. базмини, суғбатини кўрган .. кўп хотинларни энди секин-секин унута бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Адабсиз, баҳрасизлар суғбатин ҳаргиз ҳавас қилма, Тўқилгай обрўйинг, беҳуда завқу сафодан кеч. Ҳабибий.

**СУҒБАТДОШ** [а+ф-т] Суғбатда иштирок этувчи киши, суғбат қатнашчиси; суғбатчи, ҳамсуғбат. Ажойиб суғбатдош. — Олмаҳон эрининг энг яхши суғбатдоши, сирдоши, маслаҳатчиси бўлган. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**СУҒБАТИЖОН** [а+ф-т] Суғбати ширин, суғбаторо.

**СУҒБАТЛАШМОҚ** Йиғилишиб ўзаро гаплашмоқ; суғбат қилмоқ, суғбат қурмоқ; гурунглашмоқ. Фозил одам билан суғбатлашсанг розат қиласан. Ойбек, Қутлуғ қон. Бувинисо, ўз ода-тига кўра, кампир билан суғбатлаша кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суғбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**СУҒБАТОРО** [а+ф-т] ай. суғбати-

жон. Суғбаторо одам. — У [Мулла Бурҳон] сўзчан ва суғбаторо бўлиб, тоғликларнинг қаттиқ муомалалигини буюроликларнинг нозик гаплиги билан қўйшган эди. Айний, Эсдаликлар.

**СУҒБАТЧИ** 1 ай. суғбатдош. 2 Суғбат ўтказувчи пропагандист. Моҳир суғбатчи.

**СФЕРА** [р<грек] мат. Ҳамма нуқталари бир марказдан барабар узоқликда жойлашган сирт; шар сирти.

◆ **Осмон сфераси** осмоннинг тўнтарилган қозон тарзида кўзга кўринадиган қисми; осмон гўмбази. *Ериткичлар* вазиятининг проекцияси туширилдиган, радиуси ихтиёрӣ бўлган фаразий шар сирти осмон сфераси деб аталади. «Астрономия».

**АСФЕРИК** [р сферический] Сферага оид; сфера шаклидаги. *Сферик сирт. Ботиқ сферик кўзгу.*

**СХЕМА** [р<грек] 1 Бино, иншоот, машина, механизм ва ш. к.нинг умумий тузилишини ва қисмлари ўртасидаги боғланишни акс эттирувчи содда чизма. *Станок схемаси. Еритиши системасининг схемаси. Радиопрёмник схемаси. / Умуман нарсаларнинг тузилиши ёки жойланишини кўрсатувчи содда тасвир, план, чизма. Атом схемаси. Сейсмик районлар схемаси. / Бирор ишни ташкил этиш, амалга ошириш тартибини ўз ичига олган режа, план. Бошқариш схемаси. Чигитни шахмат тартибида экиш схемаси.*

2 Асосий масалалар ёритилган умумий тарздаги баён, тахминий план, режа. *Сценарий схемаси.*

**СХЕМАТИЗМ** [р] Бир қолипдаги тайёр қоида ва формулаларга ёпишиб олиб, умумий тарзда юзакни муҳокама юритиш, тасвирлаш, тавсифлаш.

**СХЕМАТИК** [р схематический] 1 Схема равишидаги, схематан иборат бўлган. *Қурилманинг схематик тасвири. Жойнинг схематик плани.*

2 Умумий тарздаги, содда. *Схематик баён.*

**СХЕМАТИКЛИК** схематик 2 с. белги оти. Баённинг схематиклиги. *Схематикликдан қочмоқ.*

**СХОЛАСТ** [р] филос. Схоластика таарафдори.

**СХОЛАСТИК** [р] ай. схоласт. **СХОЛАСТИК** [р схоластический] 1 филос. Схоластикага оид, схоластикага асосланган, схоластикадан иборат бўлган.

2 кўйма Формал, юзаки; ҳаётдан, практикадан ажралган, қуруқ сафсатадан иборат бўлган. *Схоластик танқид.*

**СХОЛАСТИҚА** [р<грек] 1 Ўрта асрлар философиясида устун бўлган ва черков, дин ақидаларини қуруқ сафсата, формал мулоҳазалар билан асослашга уринган оқим.

2 кўйма Ҳаётдан, практикадан ажралиб қолган формал билим, қуруқ сафсата; харфхўрлик, ақидапарастлик. *Маркс ва Энгельс .. асосий ёносологик масалани практикадан ташқарида ҳал*



қилишга уринишни «схолостика» ва «философик найрангбозлик» деб эълон қилган эдилар. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

**СЦЕНАРИЙ** [р<итал] 1 айн. кино-сценарий. А. Қаҳҳорнинг сценарийси асосида яратилган «Синчалак» кинофильми.

2 Театрда қўйиладиган пьеса, телевидениеда кўрсатиладиган томоша ва ш. к.нинг плани, сюжет схемаси.

3 Театрда, постановкада иштирок этувчилар, уларнинг чиқиш пайти ва тартиби кўрсатилган план.

**СЦЕНАРИЙЧИ** айн. сценарист.

**СЦЕНАРИСТ** [р] Сценарий ёзувчи адиб; сценарийчи.

**СЧЁТ** [р] бухг. 1 Тўланадиган пул суммаси кўрсатилган ҳужжат. *Электр пули тўлаш учун счёт. Бажарилган ишга ҳақ олиш учун счёт ёзмоқ.* — *Боя нега айтмадинг? — деди Абдуманноф счётни қўлига олиб. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.*

2 Банк, бухгалтерия операциялари ёзиб бориладиган ҳужжат. *Иборанинг банкдаги жорий счёти. Счётга пул ўтказмоқ. Счётга ёзиб қўймоқ.*

**СЧЁТЧИК** [р] Бирор нарсанинг сарфини ёзиб, ҳисобини олиб борадиган асбоб; ҳисоблагич. *Электр счётчиғи. Газ счётчиғи.*

**СЪЕЗД** [р] Йирик ташкилот делегатларининг, турли касб, соҳа, аҳоли группаси вакилларининг ижтимоий-сиёсий ёки илмий масалаларни ҳал қилиш учун қақририлган катта йиғилиши; қурултой. *Ўқитувчилар съезди. Съезд қарорлари. Съездега делегат сайламоқ. Съездеда қатнашмоқ.*

**СЪЁМКА** [р] Суратга олиш (мас., киностудияда). *Съёмка қилмоқ. Съёмкада қатнашмоқ.* — *Уч ойдан кейин кинокемедианг сьёмкаси бошланди. А. Қаҳҳор, Картина.*

**СЮЖЁТ** [р<фр] Адабий асарнинг асосий мазмуни; бадий асар мазмуни ва ундаги қаҳрамонлар характерини очиб берадиган ўзаро узвий боғланган воқеалар, ҳодисалар тизмаси. *Романинг сюжети. Пьесанинг сюжети.*

**СЮИТА** [р<фр] Мустақил пьесалар туркуми — умумий бадий гоя ёки программа асосида ўзаро боғланган мустақил куйлардан иборат музыка асари. *Римский-Корсаковнинг «Шаҳризод» номли сюитаси.* — *Сюита — кўп қисмли .. музика асари — фортепьяно учун, симфоник оркестр учун ёзилиши мумкин. И. Акбаров, Музика саводи. / Бир неча рақслардан иборат балет ўйини.*

**СЎГАЛ** Баданда, кўпинча қўл ёки оёқда бўладиган қаттиқ юмалоқ ўсимта. *Чап юзида сўғали бор. Сўғални кестириб ташламоқ.*

**СЎЗ** 1 лингв. Товуш ёки товушлардан иборат, бирор маъно билдирувчи нутқ бирлиги, гап бўлаги. *Туб сўз. Ясама сўз. Қўшма сўз. Сўз ясаи. Сўз ўзаратириш. Сўз состави. Сўз ўзаги. Сўзнинг маъноси.* — *Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб гап*

*тузамиз ва фикримизни баён қиламиз. «Ўзбек тили дарслиги». Кириш сўз* 1) *грам.* гапда сўзловчининг баён этилган фикрга муносабатини, гап мазмунининг юқоридаги ёки қуйидаги фикрга боғланишини ва ш. к.ни билдириб келувчи сўз, мас. айтмоқчи, айтгандек, дарвоққ; 2) муқаддима, кириш. *Ҳайдар аканинг одамларга малол келмайдиган .. кириш сўзлари ҳаммани хушхол қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Бирор маъно турнга, услубга оид шундай бирлик (тилда, нутқда ифода воситаси сифатида). *Дағал сўз. Беадаб сўз. Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор. Мақол. — Тўла қизишиб келиб, қаерда турганини, ким билан турганини унутди-ю, бир маҳаллар ўрганиб қолган кўча сўзини ишлатиб юборди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Афтидан, борлигимиз Мастура билан банд, қунондай чарх ураётган таассуротлар, фикрлар, тўйгуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Сўзлашувда, гапда, нутқда шундай воситалардан фойдаланиш қобилияти, санъати. У сўзда йўқроқ.* — *У кишининг сўзлари китобда ҳам йўқ, шундай маъноли, .. ана сўзга усталиғу. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Мақол; матал; ибора. *Қоширим сўзлар. Ҳикматли сўзлар. Халқда «бошга тушганини кўз кўрар» деган сўз бор. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. Мақол. — Қумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, озгининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар «ётиб қолунча, отиб қол!» сўзига амал қилиб, қутидорниқига совчиларни турна қатор ибора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Гап, гап-сўз, нутқ. *Табрик сўзлари. Делегатларнинг сўзлари. Сўз сўрамоқ. Докладчиға сўз бермоқ. Сўз айтмоқ. Сўз бошламоқ. Сўз очмоқ. Сўзга чиқмоқ. Сўзга тушмоқ. Сўзини бўлмоқ. Сўзни қисқа қилмоқ. Сўзини озгидан олмоқ. Сир(нинг) учини сўз очар. Мақол. — Гулсумбиби кўз ёшларини этак учи билан артиб, сўзида давом этди. Ойбек, Қутлуғ қон. Сўз уринди, сўздан-сўз чиқди, ниҳоят, ҳожининг кутганидек, ўғил ҳасрати ҳам бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу сўзни эшитиши билан Нурининг сўнган умиди алангаланди, кўкраи ёниқ орзулар билан тўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. / Миш-миш гап, овоза; ивво. Эл бор ерда сўз бор. Мақол. — Уликми-тирикми билармиз. Мен ҳам қараб турмайман. Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ўғит, панд-насихат, таълим-тарбия, илтимос ёки буйруқ мазмунидаги гап. *Онанинг сўзини қулоққа олмоқ. Катталарнинг сўзига кирмоқ. Бировнинг сўзини икки қилмаслик. Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама. Мақол. — Қумушнинг қарши тушмаи тўғрисида, албатта, уларнинг шубҳалари йўқ эди. Шунинг билан бирга, ота-онанинг сўзини ерда,**

*қолдиради, деб ҳам ўйламас эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 Ваъда, лафз; азм-қарор. *Сўзида турмоқ. Йиғит сўзи бир бўлур. Мақол. Турсанг сўзингда — хурмат юзингда. Мақол. — Аммо сиз шунга ишонганики, станциядаги сўзим — сўз. И. Раҳим, Чин мухаббат. Мен қурултой минбаридан туриб халойиққа сўз берганман, бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта бераман деганман. Ойдин, Келин ўғил туғибди.*

◆ **Орадан сўз ўтди** (ёки чиқди) келишмовчилик рўй берди, низо чиқди. *Мир ҳазратлари билан орангидан бирон сўз ўтган деб гумон қилурман. Ойбек, Навоий. Сўз боши кириш, муқаддима. Сўз ўйини бир сўзнинг турли маъноларидан ёки турли маънодаги шаклдош сўзлардан фойдаланиб тузилган, турлича тушунилиши мумкин бўлган ибора. Уй эгаси дастурхон ёзар экан: — Умридан шунча бўлгандан кейин, худо хоҳласа, умри узоқ бўлади, деб сўз ўйини қилди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Сўнг сўз қ. сўнг.*

**СЎЗАК** I [ф-т] 1 мед. Сийдик йўлларидаги яллиғланишдан иборат оқумли таносил касаллиги; триппер.

**СЎЗАК** II [ф-т] Каттиқ совқотиш натижасида панжа учларида сезиладиган санчиқли оғриқ.

**СЎЗАМОЛ** Сўзга уста, гапга чечан; гапдон. *Сўзамол одам. — Латиф ачитиб ва кўлдириб гапирини яхши кўрадиган сўзамол йиғит эди. О. Ёқубов, Ларза. | Яна қолган сўзамоллар сўзлаб ўтди. Иш охири аризага келиб етди. Ғ. Ғулом.*

**СЎЗАМОЛЛИК** сўзамол с. белги оти. *Сўзамоллик қилмоқ. — Уртоқлари унинг сўзамоллиғига тан бериб «нотик» дейишади. И. Тўхтасинов, Оқ йўл.*

**СЎЗАН** I [ф-т] Этикдўз касиблар иш тикадиган махсус игна. *Сўзан билан чок тикмоқ. — Чол унга сўзан, бизиз тутини кўрсатади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СЎЗАН** II [ф-т] Дуккакдилар онласига мансуб, қумлоқ ерларда ўсадиган бута ўсимлик; акациянинг бир тури.

**СЎЗАНА** [ф-т] Сидирга газламага гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми; гулкўрпа. *Шоҳи сўзана. Сўзана тикмоқ. — Бой келинлар туширилган уйнинг тўрт деворига палак ва сўзаналар тутилган, юқорисига жимжимали дорпечлар осилган. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**СЎЗАНАК** I [ф-т] диал. Ниначи.

**СЎЗАНАК** II [ф-т] диал. Отнинг пешноби.

**СЎЗБОЗЛИК** Қуруқ гап, сафсата отиш, сафсатабозлик, гапбозлик. *Бўлдими? Сиз билан сўзбозликка вақтмин йўқ, — деб ғазабланиб қичқирди Йўлчи, — шунинг билдннки, халқ ўз ишини билиб қилади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СЎЗБОШИ** (тўғриси сўз боши) қ. сўз.

**СЎЗЛАМОҚ** I Оғзаки равишда фикр



баён этмоқ; гапирмоқ. *Эртаги кун режалари ҳақида сўзламоқ. Оз сўзла, кўп тингла.* Мақол. *Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, сөз сўзлар.* Мақол. — *Шоқир ота яна ўзининг «қўйли қисқалигидан», рўзгор танглигидан ғоят кўйиниб сўзлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Уста Олим қўйдаги пиёласини қулт этиб бўшатди-да, устакори билан аччиғлашиш сабабини сўзлаб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғуломжон қишлоқда бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай сўзлаб берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сўзлаб чиқмоқ** бошдан-оёқ айтиб бермоқ. *Бу орада Ҳасанали бошдан-оёқ ҳикоясини сўзлаб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Нутқ қилмоқ, гапирмоқ. *Докладчи бир соат сўзлади.* Радио орқали сўзламоқ.

**СЎЗЛАНИЛМОҚ** сўзланмоқ *фл. мажх. н.* Чол олдида хотинлар ҳақида сўзланилмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЎЗЛАНМОҚ** **1** сўзламоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Зийфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Узича гапирмоқ, ўз-ўзи билан гапирмоқ. *Шу топда товушининг борича сўзланиб, Нурали келиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**СЎЗЛАТМОҚ** сўзламоқ *фл. орт. н.* Сўзлатмай қўймоқ. — *Менда сайрай бутун тилакларни. Жонлатай, сўзлатай варақларни, Эй сўзла, ўйнама, секин тингла!* Х. Олимжон.

**СЎЗЛАТТИРМОҚ** сўзлатмоқ *фл. орт. н.*

**СЎЗЛАШМОҚ** **1** сўзламоқ *фл. бирг. н.* **2** Гапирмоқ, гаплашмоқ. *Нотиқлар ўн минутдан сўзлашди.* — *Нима ва қайси тўғриларда сўзлашдилар, Отабек қипчоқларга қарши сўзлашадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Бирор нарса, масала ҳақида ўзаро музокара олиб бормоқ; гапирмоқ, келишмоқ, битишмоқ. *Отпусқа тўғрисида директор билан сўзлашиб қўйдим.* — *Эртага шаҳарга тушинг, акам билан сўзлашиб ишни битирасиз, дурустми?* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЎЗЛАШТИРМОҚ** сўзлашмоқ *фл. орт. н.*

**СЎЗЛАШУВ** сўзлашмоқ *фл. иш оти.* [Гулнор] .. *Нурининг ниқоҳ кунигина йўлчиға яқинлашиб, у билан сўзлаша олган эди. Ундан бери учрашувға, икки оғиз сўзлашувға ботинолмасди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Сўзлашув** тили оғзаки фикр алмашинув процессида қўлланиладиган тил, оғзаки нутқ.

**СЎЗЛИ** **1** Бирор микродоғи сўздан таркиб топган, қанчадир сўзни ўз ичига олган. *Беш сўзли гап. Ун минг сўзли лугат.*

**2** Бирор аниқловчи билан бирликда келиб, шахснинг характери ёки муомаласини билдиради. *Ширин сўзли одам.* — *Энди унинг [Ҳамдамнинг] таърифини Нормурод акамдай тўғри сўзли бир кишидан эшитиб юзлари*

*қизарсин.* Айний, Қуллар. — [Ҳомид] қўланса сўзли, ичи қорароқ бир йиғит эди, — деди Ҳасанали. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир сўзли** **1** бир сўзда, ўз айтганида туриб оладаган; ўжар, қайсар. *Бир сўзли бола.* — [Мулла Мадрахим] мижғов гапни ёқтирмайдиган, бир сўзли бу заҳар полковникка муддаосини очиб айтишига мажбур бўлди. Ш. Тошматов, Эрк қуши; **2**) сўздан, лафздан қайтмайдиган; айтганини қиладиган; ваъдали. *Бир сўзлининг юзи ёруғ.* Мақол. — *Унинг кўнгли пок, ўзи мард, бир сўзли йиғит.* Одамга шундан бошқа нима керак? Ё. Ханмов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт. **Ўз сўзли** ўз сўзини ўтказадиган, айтганини қилдирадиган, гапнинг икки қилинишини ёқтирмайдиган. *Қомила эътироз этмакнинг беҳуда эканини билди. Шарофат биби ўз сўзли аёл эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**СЎЗЛИК** **1** Бирор луғатга киритилган ёки киритилмадиган сўзлар рўйхати. *Изоҳли луғат сўзлиги. Сўзлик тўзмоқ.* — *Энциклопедия яратини ишида биринчи қадам сўзликни ишлаб чиқишдан иборатдир.* И. Мўминов, Ўлкамиз кўзгуси.

**2** эск. айн. луғат. *Ботаника сўзлиги.*

**СЎЗЛИЛИК** сўзли **2** с. белги оти. *Ўзбек ойим эрига ялина бошлади: — Бир сўзлилигининг қўйинг, эр.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**СЎЗМА-СЎЗ** *рви* **1** Битта ҳам сўзни тушириб қолдирмай, оқизмай-томизмай; айнан. *Эшитган гапларини сўзма-сўз айтиб бермоқ.*

**2** Гапнинг бутун маъносига қараб эмас, балки ундаги сўзларнинг луғавий маъноларига қараб; луғавий. *Сўзма-сўз таржима қилмоқ.* || *Сўзма-сўз таржима.*

**СЎЗОНА** [ф-т] Куйган, аламли. *Сўзона бўлмоқ.* — *Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтиса, эй санам, Танҳо туташдим ман ўзим сўзона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

**СЎЗСИЗ** **1** сфт Сўзи, сўзларни бўлмаган. *Сўзсиз сурат.*

**2** *рви* Овоз чиқармай, гапирмай; сукут ичра, жим. *Ювиниб енгил тортган жангчилар сўзсизгина овқатланишар, сержантнинг сўзларини эътибор билан тингелашар эди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**3** *рви* Ҳеч қандай эътирозсиз. *Сўзсиз отоат этмоқ. Сўзсиз таслим бўлмоқ.*

— *Қиз улارнинг болаларини боқад, кирларини ювади, уй-жойларини йиғиштиради ва ҳар қандай юмушни сўзсиз бажаради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЎЗСИЗЛИК** **1** Жимлик, жимжитлик, сукунат. *Орага сўзсизлик чўкди.* — *Орадаги сўзсизлик бир пиёладан чой ичгунча бузилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Лафзи, субути йўқлик, ваъдасизлик, бебурдлик.

**СЎЗЧАН** кам қўлл. айн. сўзамол. *Сўзчан одам.*

**СЎЗЧИ** **1** Гап ташувчи, йўқ гапларни тарқатиб юрувчи, ғийбатчи.

**2** айн. сўзамол. || *Ботир ёвда билинар, сўзчи довада билинар.* Мақол.

**СЎЙДИРМОҚ** сўймоқ **1** *фл. орт. н.* Қовун сўйдирмоқ. *Қўй сўйдирмоқ.* — *Остирасизми, сўйдирасизми — қўлингиздан келганини қилингиз, — дедим [халфага].* П. Турсун, Ўқитувчи.

**СЎЙИЛ** Узун йўгон калтак, таёқ. *Одамлар қўлида тош, калтак, сўйил бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**СЎЙИЛМОҚ** сўймоқ **1** *фл. мажх. н.* *Сўйилган анор. Меҳмонларга қўй сўйилди.* — *Мулозимлар тузоғлик баркашлар, сўйилган қовун ва тарвузлар, турли-туман нозу неъматлар кўтариб келишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар кунни дярлар бирор маҳбус сўйиши ёки осилиши учун олиб чиқилар, ўрнига янғиси келтириларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**СЎЙИНМОҚ** с. т. Севинмоқ.

**СЎЙИНЧИ** с. т. Суюнчи.

**СЎЙЛАМОҚ** с. т. Сўзламоқ. *Аввал ўйла, кейин сўйла.* Мақол.

**СЎЙЛАНМОҚ** сўйламоқ *фл. ўзл. н.* *Олтови ҳам ўйланади, Бир-бирига сўйланади.* «Едгор».

**СЎЙЛАТМОҚ** сўйламоқ *фл. орт. н.*

**СЎЙЛАШМОҚ** сўйламоқ *фл. бирг. н.* *Биз сизнинг ҳақингизда Ислохўйжа жаноблари билан сўйлашиб қўйган эдик.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**СЎЙЛОҚ** **1** Ташқарига туртиб чиққан, узун (тиш ҳақида). *Қози поччам туши кўрсалар атиги учтагина қолган сўйлоқ тишларидан биттаси тушиб кетибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Шундай тишли одам. *Болалар тегишиб, сўйлоқ, дейдилар, Шишган милклари жуда кўримсиз.* Ғ. Ғулом.

**СЎЙМОҚ** **1** **1** Бўғизга тиг тортиб ўлдирмоқ, бўғизламоқ. *Қўй сўймоқ. Тovuқ сўймоқ. Чумчуқ сўйса ҳам, қасоб сўйсин.* Мақол. — [Ҳожин:] *Қудаларинени нима билан кутиниши бўлса, ўзинг биласан: туя сўйиб чарлаганинда ҳам келмайдиран кишилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Кесмоқ, бўлакламоқ, кесиб-кесиб қўймоқ (асосан, қовун, тарвуз, анор ва ш. к. ҳақида). *Қовун сўймоқ.* — *Қамолддин маҳдум нонни ушатиб, патнудаси анорни олди-ю, авайлаб сўй бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рўзи полвон .. ҳандалакни эпчиллик билан сўйиб меҳмонларнинг олдиға қўйди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Утмас пичоқ билан сўймоқ** қ. пичоқ.

**СЎЙМОҚ** **II** с. т. Севмоқ, сўймоқ, яхши кўрмоқ. *Тенг еганин танари сўйибди.* Мақол.

**СЎК** Тозаланган тарих. *Хом сўк. Қовурилган сўк. Сўк оши. Овқатға сўк солмоқ.* || *Сўк талқон.* — *Тери тагин сакрабди, олдиға йўлаб бўлмайдди, озиқ-овқатчи, қайда! Мош, гурунч тугул, сўк ҳам оломладим.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мажлисда оғзига сўк солиб ўтирган Холиқжон, одамлар тарқалгандан*

кейин тилга кириб, раисга нолиб қолди. Х. Назир, Утлар туташганда.

◆ **СЌК ОШИГА СУРНАЙ Қ. СУРНАЙ.**

**СЌКАҒОН** Кўп сўкинадиган, бўлар-бўлмаста сўкадиган, сўкиनावерадиган; сўконғич. *Сўкагон одам.*

**СЌКИК** Чоклари сўкилган; чокидан кетган. *Сўкик тўн. Елкаси сўкик кўйлак.*

**СЌКИЛМОҚ** I сўкмоқ I *фл. йўл. ва мажх. н. Устида жулдур чакмон, бошида тепасидан сўкила бошлаган эски дўппи, оёқлари совуқдан тилим-тилим ёрилиб кетган. II. Турсун, Уқитувчи. Оёқларидаги бор қорик-ториклари сўкилди, бадан ҳам, оёқ ҳам қарийб яланғоч қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

◆ **Дили (ёки юраги) сўкилди** дили вайрон бўлди. *Халқни деб юраги тўкилиб турган, халқ шўрида юраги сўкилиб турган шу нуруний кесалар қараб тура олармикан? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чокидан (ёки чок-чокидан) сўкилмоқ* I тарқалиб, тўс-тўс бўлиб кетмоқ. *Чақмоқ чақнади, момақалди-роқ гумбурлади, булутлар чок-чокидан сўкила бошлади. Б. Барот, Юрак тинчмайди; 2) барбод бўлмоқ, бутунлай издан чиқмоқ. Битта бўрон кўтари-лудики, бутун ишингиз чок-чокидан сўкилиб кетди. III. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**СЌКИЛМОҚ** II сўкмоқ II *фл. мажх. н.*

**СЌКИНИШ** I сўкинмоқ *фл. иш оти. Бекора сўкиниш.*

2 Сўкиш, ҳақорат сўзлари. *Уларнинг [наварларнинг] ҳайқариқ ва сўкинишлари Ғузorning кесак ва тошдан ясалган кичкина кулбаларида ётган бева-бечораларнинг оромини бузар ва чўчитарди. III. Тошматов, Эрк қуши.*

**СЌКИНИШМОҚ** сўкинмоқ *фл. бирг. н.*

**СЌКИНМОҚ** Узича, ҳеч кимга қаратмасдан сўкмоқ; койинмоқ. *У уйнинг у ёғидан-бу ёғига бетоқат юриб, ифлос гапларни озғиза тўйдириб сўкинди. Х. Фулом, Машғал. Унинг кўз олдига Шербекнинг қийфаси келди. Ғазаб тутиди. «Кўрнамак!» — сўкинди у. С. Анорбоев, Оқсой. Сал ўтмай бог томондан ит воғулагани, богбоннинг сўкингани эшитилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**СЌКИЧАК** с. т. Сўкчак.

**СЌКИШ** I сўкмоқ I *фл. иш оти. Шимининг почасини ҳам сонигача сўкиш керак. С. Анорбоев, Оқсой.*

**СЌКИШ** II сўкмоқ II *фл. иш оти. Элмурод бир сесканиб тушиди. «Мени сўкиша, балки уришга келдимиз бу?» — деди ичида. II. Турсун, Уқитувчи.*

2 Сўкиниш, ҳақорат сўзлари. *Сўкиш эшитмоқ. — Аҳмаджон жуда қаттиқ сўкинди; бу хилдаги сўкиш умрида биринчи мартаба оғзидан чиққан ва шунинг учун ўзига ҳам эриш туйилган бўлса керак, ён-верига қараб қўйди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**СЌКИШМОҚ** I сўкмоқ I *фл. бирг. н.*

**СЌКИШМОҚ** II сўкмоқ II *фл. бирг. н. [Мардикорлар] Ёрматнинг кўз*

*олдида унга қариш бир нима демасалар ҳам, орқаворатдан уни масхаралашар, ҳатто сўкишар эди; .. Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**СЌКМОҚ** I Тикилган нарсанинг ипини узиб, суғуриб бўлақларга ажратмоқ; сўтмоқ. *Кўрпани сўкиб ағдариб тикмоқ. Шимни чокидан сўкиб торайтирмоқ. — [Отабек] тикилган илларни сўкди ва мактубни очиб, оч кўзини ишга қўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**СЌКМОҚ** II Ёмон сўзлар билан уришмоқ, ҳақорат қилмоқ. — *Ҳа, ноинсоф, ҳа кўйлади! — Қаратой бойни сўка бошлади. — Ифлос қарға! Ойбек, Қутлуғ қон. Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да шунча хўрлаганингуз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Умуман уришмоқ, койинмоқ. Турғунбой бутун айбни қўлида боласини кўтариб турган хотинга тўнкаб, уни сўкди ва қизариб-бўзариб меҳмонлар билан сўраша бошлади. II. Турсун, Уқитувчи.*

**СЌКОНҒИЧ** айн. сўкагон. *Сўконғич бола.*

**СЌКТИРМОҚ** I сўкмоқ I *фл. орт. н. Кўрпа сўктирмоқ.*

**СЌКТИРМОҚ** II сўкмоқ II *фл. орт. н.*

**СЌКЧАК** с. т. Сукчак.

**СЌЛ** I айн. чап I. *Сўл қўл. — Йўлчи .. сўл ёқдаги боши берк тор кўчага кирди. Ойбек, Қутлуғ қон. Айвоннинг сўл томонида қурилган бир эшик ила уйми, ҳужраи борлиги билинар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. || Тоғдан оқиб келаётган сой суви шу ерга келганда ўнга ва сўлга бўлини? кетар эди. II. Турсун, Уқитувчи. Душман гоҳ ўндан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёғилган ўққа учрар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 *кўчма сиёс.* Сиёсатда радикал, яъни туб ва кескин ўзгаришлар йўлини тутувчи ёки бошқаларга нисбатан радикалроқ бўлган. *Биз конференцияда сўл қанотни туздик, ҳамда ўз резолюция-мизни ва манифест проектини тақдим қилдик. В. И. Ленин, «Социалистик пропаганда лигаси» секретарига. I салб.* Юзаки қараганда радикал бўлиб кўринса-да, ҳақиқатда майда буржуазия мохиятига эга бўлган (бу маънода «сўл» сўзи, одатда, қўштирноқ ичига олинади). «Сўл» оғма (тар.).

**СЌЛАК** Оғиз суви. *Овқат чайналганда сўлак билан ҳўлланади, сўлакни сўлак безлари чиқаради. «Зоология». Қозонларда қайнаган .. таомларнинг ҳидидан Аҳмад Хусайннинг сўлаги оқди. Ойбек, Нур қидириб.*

**СЌЛАКАЙ** с. т. Сўлак. *Эртасига оғиз тахир, ўзимиз йўлудек ланж, гаранг бўлиб, оғзимиздан оққан сўлаккайга ёстиқ хўл бўлиб қоларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**СЌЛАКЧА** Гўдақларнинг, чақалоқларнинг кўкрагига тутиладиган фар-тукча.

**СЌЛАҚМОН** I Йўғон таёқ; сўйил.

2 *кўчма салб.* Гунгурдай, хирсдай, барваста одам ҳақида. *Шу юрган бекорчи сўлақмонлар орасида юрса юрипти-да, унга ошу нон берармидик. С. Абдулла, Соғлар.*

**СЌЌДИРИЛМОҚ** сўлдирмоқ *фл. мажх. н. Мен Тоҳирдан айрилган Зухраман. Аммо бевақт сўлдирилган муҳаббатим гули учун қора ботириллардан шундай қасос оламанки, Тоҳирим сўрида тик туриб, менга таъзим қилади. Х. Фулом, Тошкентликлар.*

**СЌЌДИРМОҚ** сўлмоқ *фл. орт. н. Бўлди энди, бас қил, гўл юзингни, Ҳасрат, алам билан сўлдирма. Уйғун.*

**СЌЌЖАЙМОҚ** I Эс-ҳушини йўқотиб анграйиб қолмоқ; серраймоқ.

2 Қовоғини, лаб-лунжини осийтирмоқ; ўшшаймоқ. *Гўзал ишит сўлжайганича қайтиб чиқди ва портфелини олиб жўнади. А. Қаҳҳор, Қайгулар.*

3 Бужмаймоқ, бурушиб-тиришмоқ. *Чолнинг кўзи у [Вали полов] ранги ўчиб, қони қочган, семиз лунжлари сўлжайиб, қалин лаблари баттар дўрдайган .. кўринди. Х. Назир, Утлар туташганда.*

**СЌЌЖАЙТИРМОҚ** сўлжаймоқ 2 *фл. орт. н. Лабларини сўлжайтирмоқ.*

**СЌЌИ** диал. Висотдаги мол-мулк, дунё. *Подшонинг уруши адо бўлмади, Деҳқон халқининг сўли сира қолмади. «Фольклор».*

**СЌЌИМ** I Ёқимли ва гўзал, дўппи, дўндиқ. *Сўлим қиз. — Сурада қора сочли сўлим аёл билан иккиси бир хилда матроска форма кийган ўн ёшлардаги ўғил бола ва саккиз ёшлардаги қиз. II. Турсун, Уқитувчи. || Далога чиқ, соф ҳавода етилиб юрган сўлимлардан бирини танла! И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Беғубор, соф, гўзал ва ёқимли. *Сўлим кеча. Сўлим баҳор. — Сўлим болларнинг шарбати — сув туйфали. Ойбек, О. в. шабадалар. Мана Шоҳимардон! Сўлим жой экан, Тоғларнинг кафтида олтин жом экан. Ж. Жабборов.*

**СЌЌИМОҚ** с. т. Сўлмоқ.

**СЌЌИТМОҚ** сўлмоқ *фл. орт. н. Гармсел экинларни сўлтиди. Ғам-ғусса уни барвақт сўлтибди.*

**СЌЌИШ** I сўлимоқ *фл. иш оти. Янроқларнинг сўлиши. Гўлдек сўлиш.*

2 Нафас, сулиш. *Сўлиш олмақ.*

**СЌЌИҚ** I кам қўл. Сўлиган, сўлгин. *Сўлиқ барг. Сўлиқ юз.*

**СЌЌИҚ** II с. т. Сувлуқ. *Оғилларда қатор отлар чайнар сўлиқ. Ғ. Фулом.*

**СЌЌИҚМОҚ** айн. сўлмоқ 2. *Сўлиққан юзлар.*

**СЌЌКАВОВ** [р целковый] с. т. ёск. Бир сўмлик танга. *[Мирзакаримбой] бир нафас йўлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлкавой қўшиб Йўлчига ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон. / Умуман бир сўмлик пул, бир сўм. Ҳай майли, юз сўлкавой берасиз, олиб бориб қўямиз, акажон! О. Ёқубов, Тилла узук.*

**СЌЌЛАШМОҚ** Сиёсий қарашлар жиҳатидан сўл партияларга яқинлашмоқ, сўллар томонига оғмоқ.

**СЎЛЛИК 1** сўл с. белги оти.

2 Сўёсатда сўлларча йўл тутиш, сўлларга мойиллик. / салб. Сўл оғмачилик, сўлчилик.

**СЎЛМОҚ 1** Ўсиб турган ёки янги узилган вақтидаги тирик ҳолатини йўқотмоқ; шалпаймоқ (ўсимлик ҳақида). Райҳонлар сувсираб сўлиб қолибди. / Суви қочиб қуриша бошламоқ; бужмаймоқ. Сўлган олма. Сабзи сўлиб қолибди.

2 кўйма Ғам-ташвишдан ёки дард-алам чекиб ўзини олдирмоқ, ранги кетиб, қути ўчиб, синиқиб ёшига нисбатан қаримсиқ, сўлгин тус олмақ; синиқмоқ, хазон бўлмоқ. Фарзанд доғиди сўлмоқ. Эл билан бўлсанг — бўласан, элдан чиқсанг — сўласан. Мақол. — Улар [Бозорқул билан Онабиби] бир-бирларини кўрмасалар, дарров сўлиб қоладилар. А. Мухтор, Чинор. Дадам фронтда ўлган учта акамнинг дардида кўзи кўр бўлди. Буни кўрган отим ўзидан-ўзи сўлиб, жон берди. А. Мухтор, Туғилиш. — Ҳеч қандай совға керакмас, отажон, очилмай сўлдим .. — кўзини ердан олмай деди Одилбика. Ж. Шарипов, Хоразм.

**СЎЛОҚ** Арава гупчаги тешигига икки томонидан ўрнатилган темир халқа (гупчакнинг ейилиб кетмаслиги ва ўқнинг равон айланиши учун хизмат қилади). Сўлоқ ўрнатмоқ. Сўлоқни мойламоқ. Сўлоғи ўйнаган (ёки чиққан) 1) сўлоғи қаттиқ ўрнашмаган, қимирлаб, лиқиллаб турадиган. Сўлоғи ўйнаган арава; 2) кўйма дабдаласи чиққан, шалоқ. [Турғу Мирзабег:] Оббол! Сўлоғи чиққан машинангизни мунча мақтадингиз! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. «Победа» тўхтади. — Юрмаяптими? — сўради Рабиев. — Эски. Сўлоғи ўйнаган, — изоҳ берди Сайфи. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка; 3) кўйма абжағи чиққан, яксон, тор-мор бўлган. [Иванов:] Булар [интервентлар] қайта бошдан қурол, олтин вағда қилиб, сўлоғи чиққан босмачиларни яна тикламоқчи. К. Яшин, Тор-мор. Сўлоғини ўйнатмоқ (ёки чиқармоқ) 1) дабдала, шалоқ қилмоқ. Ўйинчоқнинг сўлоғини ўйнатибди; 2) кўйма абжағини чиқармоқ; яксон, тор-мор қилмоқ.

**СЎЛЧИЛИК** сўёс. Сўлларча иш тутиш, сўллик.

**СЎЛҚИЛДОҚ 1** Лўмбиллаган, семиз, дўмбоқ, лўппи, сўлқиллаган. Сўлқилдоқ бола. — Мурзин унга сичкиллаб разм солди: .. сўлқилдоқ ва бўйдоргина қиз. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Эндигина етилган, сурх. Сўлқилдоқ новда. — [Мирғёс:] Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Тезда тухум-тухумини қуритиш керак. Ғўзанинг айни сўлқилдоқ пайти, кемиради очофат! Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

◆ **Сўлқилдоқ** ер етилиб бўртиб, кўпчиб турган ер. **Сўлқилдоқ** нон кўпчиб, сингиб пишган янги нон. Норқўзи сўлқилдоқ нонларни ушатди. Ҳ. Ғулум, Сенга интиламан.

**СЎЛҚИЛЛАМОҚ** Аста тебранмоқ, селқилламоқ. Оқ қорабош туг сўлқиллаб, Тикилди майдон ичинда, Умуровли не йўлбарслар, Йиқилди майдон ичинда. «Хушкелди».

◆ **Сўлқиллаган ёки сўлқиллаб пишган (ёки турган) нон айн. сўлқилдоқ нон қ. сўлқилдоқ.** Ҳайрон бўлмаг, Дилишдбек, рост гап. Ахир седана сепилган, сўлқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайси! М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сўлқиллаган ер айн. сўлқилдоқ ер қ. сўлқилдоқ.**

**СЎЛҚИЛЛАТМОҚ** сўлқилламоқ фл. орт. н. Нонгайлар гоҳида саватларини бурнингизнинг тағига келтириб, нонларини сўлқиллатиб мақтайдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Даланинг этагида трактор баланд ғўзага халал бермай, культиватор билан эгатларни бир текис чуқурликда ёриб, тупроқни сўлқиллатиб борар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**СЎЛҒИН 1** Сўлиган, сўлиқ. Сўлгин ғўза. — Экинлар томирига қон югурди. Сўлгин япроқлар аста жонлана бошлайди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Сахий жануб қуёши шитоб билан тик кўтарилди. Ут-алаф ҳам, гулчечак ҳам .. исикқа дош беролмай сўлгин бош эгди. С. Абдуқаҳҳор, Жанубий нуқтада.

2 кўйма Ўзини олдирган, синиққан, ранги кетган, қути ўчган, сўлиққан. Сўлгин чехра. — У узоқ йўлдан бениҳоя чарчаб келгандай оёқ устида зўрға турар, юзи янги касалдан тургандай, сўлгин ва оқарган. А. Қаҳҳор, Қўшчинон. | Файзини йўқотган, фэйз-футурдан кетган. Қуёш гоҳ булутлар орасига яширинар, гоҳ бирдан сўлгин далаларни, яланғоч теракларни майин товлантурар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ **Рухи сўлгин руҳи тушган, сўниқ.** Чолнинг руҳи сўлгин, кўзлари ич-ичига кириб кетган эди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**СЎЛҒИНЛИК** сўлгин с. белги оти. Рухий сўлғинлик. Рухий сўлғинликка тушмоқ. — Нигора бошини столдан шиддат билан кўтарди. Кўзларида маънос сўлғинлик, лабларида кинояли табассум. С. Анорбоев, Оқсой.

**СЎМ 1** Революциядан илгари Россияда ва ҳозир СССРда 100 тийинга тенг асосий пул бирлиги. Ўн беш сўм. Йигирма саккиз сўм қирқ тийин. — Жиян, ақлин бўлса, кишининг бир тийинига хайнот қилма. Тийин ҳам пул, юз минг сўм ҳам пул. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЎМ II** Катта чипқон, хўппоз.

**СЎМ III:** сўм гўшт суяксиз ва ёғсиз юмшоқ эт, лаҳм гўшт.

**СЎМЛАБ** рөш 1 Сўмлар билан. Пулларни сўмлаб санаб чиқмоқ. | Ҳар бир сўмини алоҳида, бир сўм-бир сўмдан. Сўмлаб пул йиғмоқ.

2 Унча-мунча пулнинг бетига қарамай, кўплаб, катта-катта (харажат қилмоқ). Минг сўмлаб пул топмоқ. — Бундай оилаларда тирикчилик эҳтиёжла-

рига сўмлаб эмас, тийинлаб сарф қилинади. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**СЎМЛИ** Сўм қийматига эга бўлган. Бир сўмли танга. Йигирма беш сўмли пул.

**СЎМЛИК** Қиймати сўм турадиган, сўмга тенг. Ўн сўмлик харажат. — Мана шу четидан тангадай жойини сичқон емаганда, беш юз сўмлик мато экан. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Ҳар бир этик учун бир сўмлик материал сарф қиладилар. Айний, Қуллар.

**СЎНА 1** сўна пашша Ўрғочиси ҳайвонларнинг қонини сўрадиган, эркаги ўт билан овқатланадиган йирик пашша. [Зағчақўз виш] бирдан сўна чаққан отдай типирчилаб, ўзини орқага ташлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Сўна бўлмоқ** хира пашшадай ёпишиб олиб кимсани гўсхўр қилмоқ, пашшахўрда бўлмоқ.

**СЎНА II** Еввойи ёки хонаки эркак ўрдак. Гада-гала сухсур, сўна, гоз учиб келур. Миртемух.

**СЎНГ 1** от Охир, пировард, ниҳоя. Воқеанинг боши ва сўнги. — Халқ кулфатининг сўнги йўқ эди. Шуларни Гулноз ҳам, Зухра ҳам кўрдилар. Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар. [Қумуш] сўзининг сўнгини айтолмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қушбеги мактубнинг сўнроғига келиб тўхтади-да, чақирди: — Пирмат, Пирмат! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 сфт Охирги, сўнгни. Сўнг дафъа.

3 рөш Кейин, сўнгра. Муса ён-верига аланглаб олиб, сўнге пичирлади: — Сен бировни ҳам алдама, ўзингни ҳам алдама. П. Турсун, Ўқитувчи. Оёқда турган ҳолда яна бир оз гаплашиб, сўнге Эшвойи жўнаб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шунча хорлик ва хўрликлар етмагандек, Андижон зилзиласидан бир ҳафта бурун отаси оғир касалликдан сўнге вафот этди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўм. (ч. к. билан) 1) «дан кейин. Бир ордан сўнг. — Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) «дан кейин, натижасида. Хира сахтиён маҳсулар пардоздан сўнг йилтирайди, «очилади». Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Сўнг сўз** бирор асар охиридаги хотима; охирги сўз.

**СЎНГАК** Суяк, устухон. Ит юрса сўнгак топади. Мақол. — Салимбой сўфи қушхонадан сўнгак олиб келиб қайнатиб, ёғини олиб тирикчилик қилар эди. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**СЎНГГИ 1** Охирги, кейинги. Сўнгни йил. Сўнгни вагон. Сўнгни вақтларда мактабимизда юз берган баъзи бир янгиликлар билан бизни хурсанд қилсам бўлади. П. Турсун, Ўқитувчи. || Турғуной биринчи товушини эшитганда сесканди, сўнгилари эса уни ваҳимага солди. А. Қаҳҳор, Масдон.

2 Маълум иш ёки маълум пайдан кейинги, кейи бўлган ёки бўладиган. Сўнгни пушаймон ўзинга душман. Мақол. — [Отабек] Ҳомиднинг бундан

сўнги режаларини ўрганишга ва шунга қараб кураш бошлашга қарор берган .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**СЎНГРА** рвн 1 Кейин, сўнг. У [бола] Хайдар ота билан сўраиди, сўнгера Асрорқулага хат берди. А. Қахҳор, Асрор бобо. [Фотима:] Олдин бир нарсага тушуниб олинг, сўнгера ачиқ қилсангиз мумкин. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Бундан, булардан ташқари; иккинчидан. Келувчилар, «аҳли раста», яъни савдогарлардан, сўнгера уламо, мударрис ва эшонлардан иборат. Ойбек, Қутлуғ қон. Энди Салимжонга кириб айтинг, бундай шидан қўлини тийсин! Бу — бир, сўнгера, ҳовлиқмасин. Ойбек, Қутлуғ қон.

**СЎНГСИЗ** Сўнги, охири, поёни йўқ; бепоён, чексиз. Сўнгисиз саҳро. Сўнгисиз йўл. — Дунёда, энг улуг нарса — сўнгисиз юрак қўшиғи, яхшилик куйи, дил куйи. М. Кориев, Ойдин кечалар.

**СЎНГСЎЗ** (тўғриси сўнг сўз) қ. сўнг. **СЎНДИРМОҚ** сўнмоқ фл. орт. н. Алангани сўндирмоқ. Ташаббусни сўндирмоқ. — Гулханни сўндирмаслик учун оз-оз ўтин ташлаб турди. Ойбек, Қуёш қораймас. Синглим, тўғриси айтсам, орзу ўтларини сўндириб бўлмаётмир. Ойдин, Асл ёр.

**СЎНИК** 1 Учган, сўнган, ўчирилган, ўчиқ. Сўниқ печ. / Хира, нурсиз. Сўниқ юлдузлар. — Миришб одамларидан қолган машғалнинг сўниқ ёруғи ҳам бутунлай сўнди. Айвий, Қуллар.

2 кўчма Нури кетган, қўти учган; синиққан, сўлғин. Сўниқ чехра. — Ойсулув тулкининг сўниқ кўзларида қараб туриб йўғлаб юборди. С. Анорбоев, Оксой. Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўниқ, кайфи паст эди. Мирмуҳсин, Умид. / Харорати, қўри кетган; сўнган; ўғити йўқ. Қалблари сўниқ кишилар. Рухи сўниқ руҳи тушган, руҳи сўлғин. Рухи сўниқ кишидан, нутир кетар ишидан. Мақол. — Бозорлик иш чиқиб қолди, ога, — деди Маҳкам ака тўхтаб. Ориф отага унинг руҳи сўниқроқ кўринди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 кўчма Бўғиқ, ҳазин. Сўниқ товуш. — Ҳеч қандай айбим йўқ, ҳеч нарса билмайман, ога, — деди сўниқ овоз билан Абдусаломхўжа. Ж. Шарипов, Хоразм.

**СЎНИҚЛИК** сўниқ с. белги оти. Нурнинг сўниқлиги. Кўзнинг сўниқлиги.

**СЎНМАС** 1 Сира ўчмайдиган, сўнмайдиган, абадий ёниб турадиган; ўчмас. Ёдгорлик ёнида сўнмас машғал ёниб турибди.

2 кўчма Абадий порлаб, нур сочиб турадиган; ўлмас. Ленин партиясининг сўнмас ғоялари. — Сен ижодкор, октябрни Яратдинг ўзинг. Машғал бўлдинг, сўнмас ёғду Таратдинг ўзинг. Ғайратий.

**СЎНМОҚ** 1 Ёнмай, ёруғ бермай қўймоқ; ўчмоқ. Мойи тузаб пилғи сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди. С. Аҳ-

мад, Хукм. Қўмир йўқлигидан, тараша чўғи танчани бирпас бозиллатиб, сўнган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. / Еруғлик кучи, даражаси пасайиб, нурсизланиб бормоқ, хира тортоқ, хиралашмоқ. Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Деразадан тушиб турган ёруғлик аста-аста сўниб, уй ичи қоронғилашаверди. С. Аҳмад, Хукм.

2 кўчма Дастлабки кучи, даражаси, шиддати пасаймоқ, сусаймоқ; ўчмоқ. [Раиснинг] тўсатдан газабни сўниб, эсанкрасандай жилмайди. С. Анорбоев, Меҳр. Юсуфжон қизиқ тўқсон ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳали унда ёшлик харорати, шижоати сўнган эмасди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Мусажон болалик Алиқулнинг савдо-сотиқ иши революциядан сўнг бирдан симмаса ҳам, аста-секин сўниб борди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 кўчма Пасаймоқ, кучсизланмоқ (овоз, товуш ҳақида). Олам сукунатини анча йироқлашиб кетган поезднинг сўниб борувчи тарақ-туруқидан бўлак ҳеч нарса бузмади. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Сўниб қолган кулги яна оловлана бошлади. П. Қодиров, Уч илди.

**СЎПОҚ** Ясси ва чўзиқ (асосан бош ва юз тузилиши, бичими ҳақида). Сўпоқ бош. Сўпоқ (бош) бола. — Бешиқда кўпроқ ётганидан [Алижоннинг] боши сўпоқ бўлиб қолган. Мирмуҳсин, Чиниқши. Япасқи, рапиддек чирк босган кепка кийиб юрадиган бир қоп-қора, боши сўпоқ, суяги бузуқ, ранепар йиғит. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Сенлар шаҳар қизларини ҳам унисини ўпоқ, бунисини сўпоқ деб ерга уриб юраверасанлар. Сенларга қиз осмондан тушса. Ш. Саъдулла, Икки биллагузук.

◆ Утирса — ўпоқ, турса — сўпоқ демок қ. ўпоқ.

**СЎППАЙМОҚ** 1 Ёлғиз қўққайиб турмоқ; хунуқдан-хунуқ бўлиб қўққайиб қолмоқ. Сўппайган минора. — Бу пасқамлик хийлагина катта ҳавза бўлиб, унинг теварак атрофида паст-баланд уйлар, эгри-бугри деворлар, булар орасида сўппайиб турган якка-дуқка дарахтлар кўринар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Турли шакл ва қиёфада сўппайган азамат тошлар, шағаллар, чангаллардан бўлак бойлиги бўлмаган жилга ҳар қачонгидек жимжит эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қимсасиз ёлғиз бўлмоқ. Чол-кампир сўппайиб қолди. Уй жимжит .. бир-биримизга мўлтайиб қараб ўтирамиз. В. Гофуров, Вафодор. Ҳамма далада, ишда, бир ўзим маҳаллада сўппайиб юргим келмади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Дунёга одам сўппайиб келиб, сўппайиб кетадиган бўлса, ундай одамнинг келганидан келмагани. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қовоқ-димогини осилтирмоқ; шумшаймоқ, тумтаймоқ. Иккинчиси — би-

чими кичкина, товуқнинг тумшуғи каби қотма юзи сўппайган, совуқ йиғит эди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**СЎРАЛМОҚ** сўрамоқ фл. мажҳ. н. Имтиҳонда нималардан сўралади? — Икки ойдан бери биринчи мартаба Марғилон тўғрисида сўралган савол ҳам фақат шу. А. Қодирий, Утган кунлар. Мен мажлисдан талаб қилар эдим: бу масала тўғрисида тегишли қарор чиқариб, район маорифидан бошқа мўаллим сўралсин. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**СЎРАМОҚ** 1 Маълумот олиш, билиш учун савол билан муурожаат қилмоқ; савол, сўроқ бермоқ. Адресини сўрамоқ. Воқеанинг тафсилотини сўрамоқ. Сўраганининг айби йўқ. Мақол. Қўп юргандан сўрама, кўп кўргандан сўра. Мақол. — У бирон еққа бориб қайтганда чошқонага кирмасдан, катта-кичик билан кўришиб ҳол-аҳвол сўрамасдан ўтмас эди. А. Қахҳор, Тўйда аза. Уни тезроқ .. ўнғайсизликдан қўтқиқизиш учун Ғуломжон: Отанг уйдади, яхши йиғит! — деб сўради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгил сўрамоқ қ. кўнгил 1. | Қимсани чақирмоқ ёки чақирилишини илтимос қилмоқ. — Алло, қимни сўраясиз? — Уртоқ Маматовни сўрапман.

2 Билимини текширмоқ, имтиҳон қилмоқ. «Жўнинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. Қанақа ёзилади? А. Қахҳор, Санъаткор. Қўйинг, хола, алақситмане, дарсларини қилсинлар. Битти-яримта одам дардан сўраб қолса .. ҳеч ким сўрамаса ҳам Ўрмонжон акам сўрайдилар. А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 Фикрлашиб, маслаҳатини ёки руҳсатини олмақ. [Қутидор] .. хотини ва қизидан сўраб ўтирмай, бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб ҳам келди. А. Қодирий, Утган кунлар. Янаги йилга ер эквесиз қолса, колхоз ҳеч кимдан сўраб ҳам ўтирмасдан қўш солиб юборади. А. Қахҳор, Қўшчинор.

4 Бирор илтимос ёки талаб билан муурожаат этмоқ; илтимос ёки талаб қилмоқ. Рухсат сўрамоқ. Узр сўрамоқ. Қарз сўрамоқ. Номардан ёрдам сўрама, юзингга солади. Мақол. Яхши қўшинингдан сўрагунча, ёмон уйингдан ахтар. Мақол. — Жонфигон қасамнинг ҳар хилидан ичди, кейин бизнинг қафил бўлишимизни сўради. А. Қахҳор, Жонфигон. Абдураҳмон тавба қилиб, домла мударрисдан лоақал мадрасада туршини сўради. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Гуноҳини сўрамоқ гуноҳини ўтишини илтимос қилмоқ. [Мирзақул:] Бой ота, Суярниг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кешинг. Н. Сафаров, Уйғониш. / Рухсат, ижозат ёки розилик олмақ. Эшиқ очиқ бўлса ҳам сўраб олма. Мақол. — Сатторқул лабидеги табасумини яшириш учун мўйловини бурар экан: — Фурсатинг борми, қайнатангдан, Зунунхўжадан сўраб келганимсан? — деди. А. Қахҳор, Қўшчинор. / Қимсаннинг хотинликка, келинликка

берилишини илтимос қилмоқ. Қиз(ини) сўрамоқ. — Мени хурсанд қилдингиз, бой. Мен сиздан Иқболни сўрадим. Тўй-томоғаси сизнинг гарданингизга. Н. Сафаров, Уйғорниш.

5 Кимсани ахтармоқ ёки унипг ҳола-аҳволини сўроқламоқ. Мени ҳеч ким сўрамадими? — Анзират холанг мени ҳар кўрганида сени сўрайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Хадича хола ўғлининг келишини кутмагани учун гаранг бўлиб қолди; Сидиқжон ичкарига қадам қўйгандан кейингина ўзига келиб, уни қучоқлади, йиғлаб юз-кўзидан ўтди; сўнг-ра шошиб-пишиб неварасини, келинини, қудаларини сўради. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

6 Савдода, олди-сотдида ўз моли учун бирор нарх эшиттирмоқ. Қиммат сўрамоқ. Тойчангизга неча пул сўрасиз? — Эгаси юз сўм сўради. Мен етмиш сўм дедим. А. Қаҳҳор, Канотсиз читтак. — Кетамиз, — деди [Отабек] бир оз ўйлангандан кейин, — мол баҳолари тўғрисида битишолмай турамиз — олғувчилар арзон сўрайдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

7 с. т. Идора этмоқ; ҳокимлик, ҳукмронлик қилмоқ. Юртни сўрамоқ. — Камбағал қашшоққа яхши қараган, Одил бўлиб Оқтош элин сўрагин. ●Муродхон.

СҮРАТМОҚ сўрамоқ 1, 4, 5 фл. орт. н. Қарзини сўратмай қайтармоқ. — Бу кун мендан киши орқали тўй вақтини белгилашни сўратган эдилар, мен эртага жавоб бермоқчи бўлдим. А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Йўлчи] мана саккиз ойдан буён бир қора чақа сўратгани йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Ёлғизжон армиядан келиб, Ёркиноғини сўратиб одам юборганда, дадаси: «Қизимнинг боши боғлиқ», — деган эди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

СҮРАТТИРМОҚ сўратмоқ фл. орт. н. [Ҳоким:] Узим сўраттираман, бораверинг, жавобини кейин айтаман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СҮРАШИШ 1 сўрашмоқ 2 фл. иш оти. — Ассалому алайкум, эшон ака, менман, — деди Ғуломжон ҳам, сўрашишга мажбур бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Салом-алик; кўришиш. Улар бир-бири билан сўрашини йиғиштиришган. — Сўрашиш тамом бўлгандан кейин ўтиришдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

СҮРАШМОҚ 1 сўрамоқ 1, 2, 4—6 фл. бирг.н. Ундан ҳеч нарса сўрашмади.

2 Салом-алик қилмоқ, кўришмоқ. Қўл бериб сўрашмоқ. Бош иргатиб сўрашмоқ. — Турғунбой .. мехмонлар билан сўраша бошлади. П. Турсун, Уқитувчи. [Дарға] қападан чиқиб кутиб олган қария билан қадрдонларча сўрашиб, унга чамадондан бир неча қути егурут олиб берди, бир юмалоқ чой ҳам узатди. С. Абдулла, Қувондиқ.

СҮРГИЧ бот. Гулнинг оталик чангини тутиб қоладиган қисми, тумшукчаси.

СҮРДИРМОҚ сўрмоқ 1 фл. орт. н. Зулук солиб қон сўрди. Бу сизир боласини ҳеч сўрдирмайди.

СҮРИ [а] 1 Ток, қовоқ ва ш. к. чирмашувчи ўсимликларни кўтариб қўйиш учун шийпон шаклида, тик ёки қия қилиб кўтарилган қурилма. Токларни сўрига олмақ. — Қўз ойлари бошланишида бу ерда .. сўридаги ҳусайни узумлардан асал томиб туради. Туйғун, Дўстлик севинчлари.

2 Нарса қўйиш, ёйиш учун қурилган, тўрт оёққа ўрнатилган тахта супа.

3 диал. Катта тахта қаравот. Шолчалар тўйналган катта сўрилар .. одамлар билан тўла эди. П. Турсун, Уқитувчи. Марҳамат Хадича аяга қарашиб, янги баргаларни сўриларга ёйишди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СҮРИМОҚ 1 сўрмоқ 1 фл. мажх. н. Суви сўрилган анор.

2 сўрмоқ 1 1, 2, 3 фл. ўзл. н. Озиқ моддаларнинг қонга сўрилиши.

СҮРИШМОҚ сўрмоқ 1 фл. бирг. н.

СҮРМОҚ 1 1 Лабларга қўйиб ёки лаб орасига олиб сиқиб ичга тортмоқ. Анорнинг сувини сўрмоқ. Жавзо кирмай ривоч сувини сўр. Мақол. | Шу йўсинда овқатланмоқ, эммоқ (бола ҳақида). Она кўкрагини сўриб ётмоқ. | Дамига торттиб ичмоқ, симирмоқ. Иссиқ чойни пуфлаб-пуфлаб сўриб ичмоқ. | Дамига торттиб олмақ. Насос сувни сўриб олади. | Умуман торттиб олмақ. Қўз офтоби .. эрталабдан оқшомги ёмғир захрини сўра бошлади. Й. Шамшаров, Қумуш пиёла. Тезга кўтарилган қуёш ўтли тили билан ер бағридаги барча намни сўриб оларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Тирик организмларнинг сувини, ширасини, қонини махсус органлари ёрдамида торттиб ичмоқ (хашаротлар, қуш ва ҳайвонлар ҳақида). Қапалак гул сувини сўради. Зулук қон сўради. / Ердан нам ва озуқа олмақ (ўсимлик илдизи ҳақида).

3 кўйма Зўрлик ёки алдов билан кимсанинг кучидан, меҳнатидан, бойлигидан, фойдаланмоқ; эксплуатация қилмоқ. [Зухра:] .. сизирнинг қулоғига тушган канадай эрни сўриб ётиши ҳам яхши касб! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. Қонини (ёки кучини, илигини) сўрмоқ қ. қон. Давлатёр .. чўпонга йеирилиб: .. Қулоқ — қонхўр зулук .. сен билан бизнинг қонимизни сўриб келди. П. Турсун, Уқитувчи. Дехқонларнинг ҳоли шундайин ўтган Шафқатсизлар илигин сўриб ютган. Эргаш шоёр.

4 Оғнзга олиб ва туپук билан хўллаб селини тил ва танглай харакаати билан аста-секин ичга ютмоқ; шиммоқ. Обаки сўрмоқ. — Мадамин .. семиз бармоқларини битта-битта оғнзга солиб сўриб олди. П. Турсун, Уқитувчи. | Чекмоқ, тортмоқ. Чилим сўрмоқ. — Бектемир махорқа ўраб, жимгина сўра бошлади. Ойбек, Кўбеш қораймас.

СҮРМОҚ II айн. сўрамоқ. Ранг кўр, ҳол сўр. Мақол. — Барваста бўйли киши чиқди: «Ким?» — деб ҳол сўриб.

Қ. Мухаммадий. Арзи ҳолингни бугун сўргали султон келадур. Ҳамза.

СҮРОВ 1 сўрамоқ фл. иш оти.

2 Савол, сўроқ. Ҳафиза эрининг сўровига қисқагина жавоб қилди. Мирмуҳсин, Умид.

3 Илтимос ёки талаб. У [Сидиқжон] .. Зийдахоннинг сўровига кўра, эшак аравани қўшиб дарёдан сув келтиргани борди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

4 расм. Бирор маълумот ёки тушунтириш берилиши ҳақидаги расмий талаб; талабнома. Олий Совет депутатларидан тушган сўров.

СҮРОҚ 1 Савол, сўров. Сўроқ белгиси. Сўроқ оҳанги. || Сўроқ гап. — У ҳозир хотинининг қайёққа бордиган деган сўроғини кутар ва шу сўроқни берса, гап эшитиб бўлса ҳам, шу ташашидан қўтилишни хоҳларди. А. Қаҳҳор, Канотсиз читтак.

2 юр. Суд, прокуратура органларига тушган ёки судда кўрилатган ишнинг тафсилотини ва унга тааллуқли ҳақиқатни аниқлаш учун олиб бориладиган савол-жавоб. Сўроқ бермоқ. Сўроқ қилмоқ. — Ҳоким сўроқни шу боладан бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Поччам билан жияним илгари сўроқда қандай жавоб берган эдилар, буни хотирлай оласизми? А. Қодирий, Утган кунлар.

3 айн. сўров 4. Ахир, улар сайловчи халқ-да! Уларнинг сўроғига, талабига тўла жавоб бериш керак-да. Ойдин, Садаған бўлай, командир.

СҮРАҚЛАМОҚ 1 Чандон сўрамоқ, сўраб-суриштирмоқ. Чол Сувонжоннинг шартасини сўзди шекилли, «топдинемид?» — деб сўроқлаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Сўраб-сўраб қидирмоқ, суриштирмоқ; дарақламоқ. Ойқиз МТС директори ни сўроқлаб, бир неча тракторчига мурожаат қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Холматов] Бешёғони билди. Трамвайда ўша ерга етиб олса, Ойниса ойининг уйини сўроқлаб топди. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

СҮРОҚСИЗ 1 Рухсат олмасдан, берухсат. Бўтабой сўроқсиз эшикни очиб кирди. С. Ахмад, Хукм. Вақт ҳам биздан сўроқсиз ўтиб борапти. М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 юр. Сўроқ қилмасдан; терговсиз-бошқасиз. Сўроқсиз уч кун етиб чиқибди.

СҮРРАЙМОҚ 1 айн. серраймоқ.

2 Озиб-тўзиб кетмоқ; улар ҳолатга етмоқ. Йигитнинг .. чўзинчоқ юзи сўррайиб қолди. С. Анорбоев, Мехр.

СҮРҒИЧ 1 Эмзикали болалар эмчак ўрнида сўрадиган резина буюм; эмзика. Боланинг оғнзга сўрғич солиб қўймоқ. Бутилкадан сўрғич билан эмизмоқ.

2 анат. Тери ва шиллиқ парда сиртидаги сезгир дўмбоқчалар. Тилни текширган чоғда .. тил сўрғичларига ҳам диққат билан қараш лозим. Н. Исмоилов, Касалларни парварош қилиш.

3 бот. Чирмашиб ўсадиган паразит ўсимликнинг туксимон ўсимталари.



4 с. т. Сургуч. [Шишанинг] .. четларини сўргич қолдиқларидан бармоғи билан тозалади. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. У [Саодат] .. сўргич босилган посилкани очаркан, қўллари қалтираб, юраси орқасига тортиб кетди. И. Раҳим, Ихлос.

**СЎТА** I Жўхорининг донли ёки дони олингандан кейин қолган ўзаги. *Сўта ёқмоқ*. *Сўталарни йиғиштирмоқ*. — Доналари марвариддай жўхори сўтасини отмоқчидай, она дўқ қилди қизга. Ойбек, О. в. шабадалар.

**2 диал.** Таёқ, калтак. У сўтасини ерга суқиб, .. хуржундан икки ширмой кулча .. чиқарди. Айний, Қуллар. *Кўзи туиди шундай Гул бувишига Шайдулло деб сўта ёғдирди бошига*. «Ширин билан Шакар».

**СЎТАК** Содда, гўл. *Сўтак одам*. — У илгари етим қолган *Сўтак* деҳқон, Якка рўзгор, иш билмаган Бир саргардон. Ғ. Ғулом. *Муҳаббатга Миробид сўтақдан бошқаси қуриб қоптими?* В. Ғофуров, Вафодор.

**СЎТАКЛИК** сўтак с. мавҳ. от.

**СЎТИЛМОҚ** сўтмоқ *фл.* ўзл. ва мажҳ. н. Чоки сўтилган тўн. — Яккаликда менинг кўнелим сўтилган, Бу ҳолимдан хабардор бўлг, бобожон. «Зулфизар билан Авазхон».

**СЎТМОҚ** диал. Ситмоқ, сўкмоқ, чок-чок қилмоқ. Чокини сўтмоқ. — Жилва бериб кулишни Кизлар ўтиб боради. Жонон чиннидай овози Юракни сўтиб боради. М. Алави.

**СЎФИ** [ф-т<а] I Масжидда азон айтувчи киши; муаззин. Домла имом оч қолса, бозор кезади, сўфи оч қолса, мазор кезади. Мақол. — Мана бугун Султонбой қишлоқ сўфиси азон айтмасдан ўрнидан туриб, томга қамиш босаёттибди. Х. Ғулом, Машғал.

**2 кўчма** Содда, гўл, художўй одам. — Вой, отаси тушкўр-ей,— деди кула-кула Муса,— мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди,— деб юрсам, сизда гап кўп экан. П. Турсун, Ўқитувчи. *Уч-тўрт хотинли бойларнинг, айниқса чорбозорчи савдогарларнинг беш-олтилаб хотинлари эрларини кўтиб, сўфи бўлиб ўтиришади дейсизми?* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**СЎФИЁНА** [ф-т] I дин. Суфийлик руҳидаги, суфийлик руҳи билан суғрилган. *Сўфиёна дунё қарашлар*. — Султонмурод .. сўфиёна руҳ билан айтилган бир ғазалигига мақтади. Ойбек, Навоий.

**2** Содда, художўй одамларга хос бўлган. *Сўфиёна кўриниш*.

**СЎФИЙ** [ф-т<а] дин. Суфийлик тарафдори. У [Саид Жалолхон] кўзгалган қишлоқни қиличдан кечиргани бу жониворларнинг ёнига неча минг сўфийлардан қўшиб берди. А. Қахҳор, Башорат.

**СЎФИЙЛИК** Ислом динида 8—9 асрларда пайдо бўлган ва 11—12 асрларда шаклланган мистик-таркидунёчилик оқими.

**СЎФИЛИК** I сўфи с. касб оти. *Сўфилик қилмоқ*.

**2** сўфи 2 с. белги оти.

**СЎФИНАМО** [ф-т] Сўфига ўхшаган, сўфи тахлитидаги. *Минибошичи сўфинамо, Тасбеҳу бўйнида ридо, Чўқиб қочар зоғи ало, Бир доғули айёр экан. Муқимий*.

**СЎФИТЎРҒАЙ** Тўрғайлар онласига мансуб, бошида кокли бор қуш.

**СЎХТА** [ф-т] Пиликнинг куйган қисми. *Отабек микрози билан шам сўхтасини кесиб тузтади*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Муштумзўрлик сўхта шам, милтирайди — сўнмоқда буткул*. Ғ. Ғулом. *Гўр сўхта қ, гўрсўхта. Жигар сўхта қ. жигарсўхта. Жувон сўхта қ. жувонсўхта. Сўхтаси совуқ сохти, турқи хунук. Сўхтаси совуқ одам*. — *Хуморхон ёмон кўради шу сўхтаси совуқ Раҳмонқуловни*. А. Мухтор, Туғилиш. *Сўхта бўлмоқ* куйиб кўмирга айланмоқ (лампа, шам ш. к. нинг пилиги ҳақида). *Мойи туғаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди*. С. Аҳмад, Ҳукм.

**СЎХТАЛАНМОҚ** Куйиб сўхта бўлмоқ. *Тун ярмидан оғиб, чироқ пилиги ҳам сўхталанди*. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

**СЎҚА** [р соха] Ер ҳайдаш учун ишлатиладиган чўян тишли содда асбоб; омон. *Парча-пурча ерлар ўз замонасида сўқа, омонга мос келарди*. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Ушанда [Октябра қадар] сўқа билан ер ҳайдаган деҳқонлар дон сегиб бўлгач, катта тўй ўтказишар экан*. А. Мухиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**СЎҚИМ** I Сўйиш учун семиртирилган, бўрдоқи қорамол. *Сўқим гўшти*. *Сўқим сўймоқ*. *Сўқимга — боқмоқ*. — [Олахўжа] тўйга катта тайёргарлик кўрди. Тоғдан сўқим олиб келтирди, ҳафталаб шоли оқлатди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**2 кўчма манф.** Ишламай еб ётувчи, давангирдай соғ одам ҳақида. *Сўқимдек йигит*. — *Шу кўни Ҳафизанинг этиб уйқуси келмади, икки давангирдай чананининг дағдағаси-ю, бу сўқимларнинг калтаклашини қаттиқ таъсир қилди*. Мирмуҳсин, Умид.

**СЎҚИР** [мўғ] I Кўр, ожиз. Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар. Мақол. | Кўзи кўр, кўзи ожиз. *Сўқир одам*. — *Сўқир туя қиғирқини айлантирадиган арқонни судраб изоқларга бориб қайтади*. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**2 кўчма** Ҳеч нарсани билмайдиган, сезмайдиган; қоқоқ, кўр. *Кўзи сўқирдан кўкраги сўқир ёмон*. Мақол. — *Мен қувонмай ким қувонсин, айт, Бир бесавод, сўқир косибман*. Э. Раҳим.

**СЎҚИРЛИК** сўқир с. белги оти. *Кўзининг сўқирлиги*. *Сўсий сўқирлик*.

**СЎҚИШМОҚ** сўкмоқ II *фл.* бирг. н. **СЎҚМА** Ўзича ўйлаб чиқарилган, сўқилган, тўқилган, ясалган; ясама.

*Сўқма тил*. — *Уйнинг тўрида .. сўқма тахта стол олдида беш-олти кишидан иборат ҳайъат ўтирибди*. Ойбек, Болалик.

◆ **Сўқма йўл айн. сўкмоқ** I I. *Девор бўйлаб кетган сўқма йўл танга-танга ўрик гулидан оппоқ бўлиб ётибди*. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**СЎҚМОҚ** I I Одамлар қатнови натижасида ўз-ўзидан юзага келган ёлғиз оёқ йўл. *Сўқмоқ йўл илон изи каби эгилиб-бурилиб бориб, кўлча олдида иккига бўлинди; ўнг тарафдаги сўқмоқ яйлов томон қияланиб кетган!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Сўқмоқ йўл айн. сўкмоқ** I.

**2 кўчма** Киши фаолиятида, ҳаётда биринчи бор ўтилаётган йўл. *Ҳаётимиз жуда гўзал*. *Лекин унинг ўзига яраша паст-баландликлари, сўқмоқлари ҳам бор*. *Қоқилмасдан юришга ўрганиш керак*. Б. Раҳмонов, Қилимиш-қидирмиш. *Қалам ва қалб соҳиби бениҳоя хилма-хил .. йўллар ва сўқмоқлар оша бетишим ўз чўққисини излайди, меҳнат ва машаққат билан унга етади*. Ш. Тошматов, Тоғдаги қуланка.

**СЎҚМОҚ** II I Урмоқ, туширмоқ, солмоқ. *Мушт билан сўқмоқ*. *Қала сўқмоқ*. — *Йўқ, оғалар, темирни қизғида сўқиб қолиш керак!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2 кам қўла.** Ўзича ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ, ясамоқ.

◆ **Закон сўқмоқ қ. закон**. **Фалсафа сўқмоқ айн.** фалсафа сотмоқ қ. фалсафа 2.

**СЎҚТИРМОҚ** сўкмоқ II *фл.* орт. н. *Неча вақтлар устаю мардикорлар ишлади, кунгурасини пўлатдан сўқтириб, бўсағаларини олтидан ёптирди*. «Ал-поминиш».

**СЎҚҚА** Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, якка. — *Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсан-у, тўқлини қандай қилиб боқсан,— деди Шум бола Омонга*. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**СЎҚҚАБОШ** I Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. *Сўққабош одам*. — *Эрматининг .. ўзи сўққабош бўлиб қолган эди*. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**2** Уйланмаган, бола-чақа қилмаган; бўйдоқ, ёлғиз. [Асад:] *Севиб, муҳаббат изҳор қилолмасанг, уйланишни ким қўйибди сенга!* *Сўққабош бўлиб юрaver!* Н. Сафаров, Қимга тўй, кимга аза.

**СЎҚҚАБОШЛИК** сўққабош с. белги оти. *Сўққабошлик жонга тегди*. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**СЎҚҚАЙМОҚ** Сўппаймоқ, қўққаймоқ. *Кўкка чарх урган қушлар ҳар замонда югуриб келиб, қўлларини кўксига қовуштирганича сўққайиб қоладиган кулранг юмронқозиларга ўз жамолини кўз-кўз қила бошлади*. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**СЎҒИН** диал. Сўнг, кейин, сўнгра.

**СЎҒИР** с. т. Суғур.  
**СЎҒОН** диал. Пиёз. *Сўфи сўғон ер, топилса йўғон ер*. Мақол.



## Т

Т Ўзбек алфавитининг йигирманчи харфи; қ. те.

**ТААДДИ** [а] эск. кт. 1 Шафқатсиз эзиш; зулм, жабр. Биз .. Мусулмонқулнинг зулм ва тааддиси .. бағоят ошиб борганлигини музокара .. қилишдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бир нечаси айтди: — Ҳозир Ултоннинг тааддидидан қочиб, бўлак чегарага бориб турганимиз маъқул. «Едгор».

2 кўчма Дағдаға, дўқ, пўписа. [Султонмурод] таадди билан баланд кела бошлади. — Сизлар ким? Нима ҳақларинг бор? Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТААЖЖУБ** [а] 1 сфм Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ажабланишли, ғалати. Таажжуб нарса. Таажжуб иш. — Бу таажжуб ҳол одамларда гунои тўғдирмай қолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Дикқатни жалб қиладиган, эътиборни ўзига тортадиган; ажойиб, қизиқ; кулгили. Бўлди таажжуб, қизиқ ҳангома-лар, Арз этайин эмди ёзиб номалар. Муқимий.

2 от Ҳайрат, ажабланиш, ҳайронлик. Таажжубга солмоқ, Таажжубда қолмоқ, Таажжубга тушмоқ. — Хотиннинг таажжуби ошди. Айний, Куллар. — Юсуфжонов?! — деди қоровул ҳам таажжуб, ҳам хурсандлик билан. Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. [Сафар] таажжуб ва ҳайрат ичиди келиб меҳмонхонага кирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 кирш с. Ажаб, қизиқ. Таажжуб, унинг мактуби юрагимда на севинч уйғотди, на бир ачинди! О. Ёқубов, Тилла узук.

**ТААЖЖУБЛАНАРЛИ** Кишини таажжубга соладиган, ажаблантирадиган; ҳайрон бўларли, ажабланишли. Таажжубланишли ҳол. Бунинг ҳеч таажжубланишли жойи йўқ.

**ТААЖЖУБЛАНМОҚ** Таажжубда, ҳайратда қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ, ажабланишмоқ. Бирдан бошқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапиради, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб кингаалайди .. Йўлчи таажжубланиб, Ерматга қаради. Ойбек, Қутлуғ қон. V Ашура Мирзога таажжубланиб бир қаради-ю, китобни олиб, яна кизиз таенга яшириб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Олахўжа Мели польвоннинг олдида келди. Бузилаётган ерни қучоқлаб, ётиб олди. — Ийи, ийи! — дейишди таажжубланиш одамлар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТААЖЖУБЛАНТИРМОҚ** таажжубланмоқ фл. орт. н. [Нури] ҳар ҳайит уч кўнгина ясаниб-тусаниб, оғирлиги тахминан бир пуда етадиган ҳалиги бе-закаларини тақиб, унча-унча бой оила қизларини таажжублантирар .. эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТААЖЖУБЛИ** с. т. Таажжубланишли, ажабланишли, ғалати, қизиқ. Таажжубли ҳол.

**ТААЛЛУҚ** [а] 1 Алоқадорлик, дахлдорлик; алоқа, дахл; боғланиш, муносабат. Бу ишнинг сизга ҳам тааллуқи бор. — Асад қори .. сўнги ҳикоянинг ҳам ўзига тааллуқи йўқдай без бўлиб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма эск. Хотин, рафиқа. Отабегнинг иккинчи тааллуқи [Зайнаб] тўғрисида келин боламиза билдирилмаса хўп эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТААЛЛУҚДОР** [а+ф-т] 1 айн. тааллуқли. Ишга тааллуқдор ҳужжат.

2 кўчма эск. айн. хотинли. Тааллуқдор қилмоқ уйлантирмоқ, хотин олиб бермоқ.

**ТААЛЛУҚЛИ** 1 Бирор нарса ёки кимсага алоқаси, боғланиши бўлган; алоқадор, дахлдор. Ишга тааллуқли ҳужжатлар.

2 Бирор нарса ёки кимсага қарашли, тегишли, мансуб. Қолхозга тааллуқли ерлар. — Ғиждувонга реком келиб, «амир, унинг билан қочган одамларга тегишли моллардан ва умуман подшоҳликка тааллуқли нарсалардан бошқа нарсалар мусодара қилинмасин», — деди. Айний, Куллар.

**ТААЛЛУҚСИЗ** Алоқаси, боғланиши бўлмаган; алоқасиз, муносабатсиз. Ишга тааллуқсиз ҳужжат.

**ТААММУЛ** [а] эск. кт. Андиша, фикр, мулоҳаза. Тааммул қилиб қолмоқ ўйлаб қолмоқ. Хатиб домла мулла Обиднинг кўзидан бир маъно ўқини учун тиришгандек бир оз тааммул қилиб қолади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТААРРУЗ** [а] эск. кт. Бирор нарсага, ишга, ҳаракатга кўрсатилган қаршилик, тўсқинлик. Таарруз қилмоқ.

**ТААССУБ** [а] 1 Бирор кимса ёки нарсага тақдир қилиш, эргашин. [Ҳайитжон:] Сен Қумушхонга таассуб қиламан дейсанми? Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Эътиқод, маслак ва ш. к.га кўр-кўрона берилиш; фанатизм. Мулла Обид бой ва домларнинг қутқуси биланми, ёки ўзининг диний таассуби орқасиданми, баҳарҳол ерни рад қилди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТААССУРОТ** [а] Қўрилган, хис этилган ҳодиса, киши ёки нарса тўғрисида кўнгида, хотирада қолган из, туғилган фикр ва хис-туйғулар мажмуи. Сафар таассуротлари. Таассурот дафтари. Яхши таассурот қолдирмоқ.

— Бу кўннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ишга сигдирилмади: — Зап яхши кўнми! — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Болалар янги ўқитувчининг дарси тўғрисида ўз таассуротларини ўртоқлаша бошлади-лар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТААССУФ** [а] Кўнгилисиз воқеа, ҳодиса, ноилоҳ аҳвол ва ш. к.дан туғилган ачиниш; афсус. Таассуф қилмоқ. Таассуф билдирмоқ. — Минг таассуф, ажаб замон ўлди, Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди. Нозима. — Ғоят таассуф! — деди Талғат афанди, бармоқларини

қовуштириб қарсиллатаркан. Ҳ. Гулом, Машъал. Отабек уялув аралаш кулимсираб қутидорга қариди: — Таассуфки, эслай олмаман! — деди у. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Таассуфга қарши бахтга қарши, афсуски. Таассуфга қарши, учраша олмадик.

**ТААССУФЛАНМОҚ** Таассуф қилмоқ, афсусланмоқ, ачинмоқ. Биз унинг [Лутфиланинг] аянчли ҳолига .. таассуфландик. Мирмуҳсин, Созанда.

**ТААССУФЛАНТИРМОҚ** таассуфланмоқ фл. орт. н. Бу ҳол ҳаммамизни таассуфлантиради.

**ТАБ** [ф-т] с. т. Тафт, ҳарорат. Таб босди қилмоқ тафтидан, ховуридан туширмоқ, таскин, тасалли бериб ёки бирор нарса билан овутиб тафтига, ховурига босмоқ. Ўзимнинг гапимга ўзим пушаймон еб, ўлганимнинг кунидин «таб босди» қилиб, шартномага қўл қўйдим. Ғ. Гулом, Тирилган мурда.

**ТАБАА** [а] эск. кт. Бирор давлат граждани, фуқароси; граждандар, фуқаролар.

**ТАБААЛИК** эск. кт. Бирор давлат аҳолисига, фуқаросига мансублик; граждандлик.

**ТАБААССОЗЛИК** 1 Кимсага тақдир қилиш, эргашин, таассуб.

2 Кимсанинг кўнглига қараб иш қилиш, кўнгилисозлик. Табаасозлик қилмоқ.

**ТАБАР** [ф-т] 1 диал. Болта. Мулла-лар ўқийди зеру забарни. Усталар шилатар теша, табарни. «Равшан».

2 тар. Ойболтавини бир тури, қади-мий жанг қуроли.

**ТАБАРРУК** [а] 1 Улуғ хурматга сазовор бўлган, ғоят хурматли, мўътабар, азиз. Табаррук чол. — Улимдан кўрқмаган эрлар қонидан Жуда табаррукдир қизарса туяроқ. Ҳ. Олимжон. Ватан! Ватан! Нақадар мўътабар ва табаррук сўз. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Яқин, мўътабар кимса ёки нарсани эслатадиган, ундан эсдалик, ёдгорлик бўлиб қолган. Отамдан қолган табаррук китоб. — [Навоий:] Энди, сиз бу табаррук қилич билан давлатимизни, салтанатимизни, мамлакатимизни ва унинг санъатини ҳимоя қилинг! Ўйғун ва И. Султон, Навоий.

3 дин. Гўё илоҳий кучга эга бўлган, муқаддас. — Маккатуллода, табаррук ерда эримга қуръон ўқитарман, гуноҳларини худодан йиғлаб тиларман, деган ният қанот бўлди, — деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Мўътабар, азиз кишиларнинг назари тушган, қўли теккан ва ш. к. Ҳа, сиздан қолган, табаррук, яламай бўладими? М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Тобут теварагига тортилган газла-мани «табаррук» деб йиртиб олдилар, аҳмоқлар, — деди отам. Айний, Эсдаликлар.

**ТАБАССУМ** [а] Юз, кўз ва лабларнинг кулимсираш ҳолати; жилмайиш. Табассум қилмоқ. — Ҳаётнинг юзига

ширин табассум югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек ҳам истеҳзоли табассум орасида Ҳомида кўз қирини ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олимжон табассум-ла, Дер: ўткинчи боламан.* К. Муҳаммадий.

**ТАБАК** [а] 1 эск. кт. айн. **ТОВОК.** *Ош мисоли табақда кўз ёши, Курмаги кўп; гурунчидан тоши.* Муқимий.

2 Чоп қилинган босма текстни ўлчаш бирлиги; босма лист.

**ТАБАҚА** [а] 1 Эшик, дераза ва ш. к.нинг очилиб-ёпиладиган ҳар бир бўлаги. *Якка табақа дераза. Қўш табақа эшик.* — [Хасанали] занжирни тушириб дарвозанинг бир табақасини очиши ҳамона шу табақага сўяниб турган *Отабек Хасаналининг оёғига йиқилиб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сийфий муносабатлар заминидан вужудга келган ижтимоий группа, тоифа. *Савдоарлар табақаси.* — *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даққисини еб келган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман одамлар, аҳоли, жамиятнинг бир қисми, бир группаси, бўлаги. *Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ўз сафларида илгор совет ёшларининг кенг табақаларини бирлаштирган оммавий партиясиз ташкилотдир.* «ВЛКСМ Устави».

4 айн. қатлам 1. *Ернинг табақалари.*

5 Даража, поғона. *Бир табақа наст мол.*

**ТАБАҚАЛАНИШ** 1 табақаланмоқ *фл. иш оти.*

2 Табақаларга ажралиш процесси ва унинг натижаси. *Аҳолининг табақаланиши.*

**ТАБАҚАЛАНМОҚ** Табақаларга бўлинмоқ, ажралмоқ. *Майда шилаб чиқарувчилар тарқоқ ҳолда бўлган ва улар бутунлай табақаланган бир вақтда кўплаб мол сотиш ишини фақат йирик капитал уюштира олади.* В. И. Ленин, Русияда капитализмнинг тараққийси.

**ТАБАҚАЛАШТИРИЛМОҚ** табақалаштирмоқ *фл. мажж. н.*

**ТАБАҚАЛАШТИРМОҚ** 1 Табақаларга бўлиб юбормоқ, табақаларга ажратмоқ.

2 Маълум белгиларга қараб фарқламоқ, дифференциация қилмоқ. *Иш нормаларини иш шартига мослаб табақалаштирмоқ.*

**ТАБАҚАЛИ** Табақаси бор, табақаси бўлган (эшик, дераза ва ш. к. ҳақида). *Икки табақали дарвоза.* — *Улар кичкина ҳовлининг бир табақали настаккина эшигидан кирганларида айвондаги ўчоқ олдида ўтирган аёл ўрнидан турди-да, ҳовлига юз ўйирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАБАҚАЧИЛИК** Жаннат табақаларининг ўзига хос белгилари, тартиб ва қоидалари ва уларга асосланган ижтимоий муносабатлар. Табақачиликнинг энг чуқур илдизларини, яъни: ер эгаллигидаги феодализм ва крепостнойлик қолдиқларини биз батамом юлиб

*ташладик.* В. И. Ленин, Октябрь революциясининг тўрт йиллигига.

**ТАББАНД** [ф-т] эск. айн. **ТАБГИР.** **ТАББАТ** [а] Куръон сураларидан биринчи номи. **Ўқимай табатга тушган ўқимай-нетмай** корчалон, билимдон бўлиб, иш бошига чиқиб олган.

**ТАБГИР** [ф-т] 1 Иссиқни оладиган, иситмани туширадиган. *Табгир дори.* 2 *Кўчма* Кўнгилни кўтарадиган, юракдаги дардга малҳам бўладиган. *Табгир дўст.*

**ТАБДИЛ** [а] эск. кт. Ўзгартиш, алмаштиниш; ўзгартиш, алмаштириш. — *Ҳозир тағтил вақти бўлгани учун қишлоқларда табдили ҳаво қилиб юрибмиз,— деди домла.* Ф. Ғулом, Шум бола.

**ТАБЕЛЧИ** [р табельщик] 1 Корхона ва муассасаларда ишга келиш-кейтиши ни ҳисобга олиб борувчи ходим.

2 Колхоз ва совхозларда ишчи ва колхозчиларнинг ишга чиққан-чиқмаганлиги ва қандай иш бажарганлигини қайд қилиб ва ҳисобга олиб бориш учун тайинланган киши. *Мен ҳам олдинга табелчи, сўнг секретарь бўлганман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАБЕЛЧИЛИК** табелчи с. касб оти. Табелчилик қилмоқ.

**ТАБЕЛЬ** [р <нем.] 1 эск. Бирор нарсани ҳисобга, рўйхатга олиш varaқаси; жадвал.

2 Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиш ва ишдан кетиш вақти қайд қилинадиган махсус дафтар ёки тахта. *Табелларда ёзилса «Рўзибиш кампир» Табелчига хўмрайиб аста қарайди.* Ф. Ғулом.

3 Мактаб ўқувчиларининг дарсдан улгуришлари қайд қилиниб бориладиган varaқ. *Акрамнинг табелидаги «хулқ» деб ёзилган графада ҳамма вақт «б» баҳоси бўларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАБИАТ** [а] 1 Оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун борлиқ; мавжудот. *Табиат ҳодисалари.* **Жонли табиат** органик дунё, ўсимликлар ва ҳайвонлар.

2 Теварак-атроф, дала, тоғ, адир, ўрмон ва ш. к. шаронти, манзараси. *Отабек табиятнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бир оз ётгандан кейин, «Ул ҳам бўлса эди», деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қатортол қишлоғининг табияти ҳам тезгина жонланиб, кун сайин гурқираб, тоғ этаклари, сой қирғоқлари баҳорнинг эркатойи бўлган чечоклар ва кўм-кўк ўтлар билан ясанарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Фейъл, хулқ-атвор; характер. — *Ўзи жуда оғир ва ақлли йигит, бунинг устига қизиқ табияти ҳам бор,— деди Уста Олим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Вали ака] *табиятининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сўфи табиат** 1) характер, қилиги сўфиларникига ўхшаш; 2) кечалари бе-

дор, кам ухлайдиган. *Томма-том қочиб кетаётганимни баъзи уйқуси зийрак, сўфи табиат қари-қартанлар ҳам кўриб қолган эдилар.* Ф. Ғулом, Шум бола. **Наст табиат** зикна, қизғанчиқ, хасис. [Қодирқул:] *Бу бойнинг табияти шунақа настми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. | *Одамнинг табийи тувиллиши, мижози. Доим захда ўтириб шиллаганимданми ёки ўзимнинг табиятимда заифлик борми?* Ишқилиб нима бўлса ҳам кўп вақтдан бери бедармон тартиб юрибман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Табиатни кўтармайди** (ёки **тортмайди**) мижозимга тўғри келмайди, кўнглим тортмайди.

4 Бирор нарсанинг хусусияти, ўзига хос белгилари. *Планеталарнинг физик табияти.* — *Одам ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатибгина қолмай, табиатни ўзи истаган томонга қараб ўзгартиди.* «Зоология».

5 Қайфият, руҳий ҳолат. *Табиатни чоғ қилмоқ.* — *Зокиржоннинг бояси муомаласидан жиндай табияти олинган Латофатхон, бир нафас унинг орқасидан қараб турди-да, сўнгера аста ёнига борди.* Ғайратий, Довдиран. *Давлатёрнинг табияти хира бўлиб, етим боладек кўзлари жовдиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Дид, фаросат; дид фаросат. *Табиати нозик одам.* У *одамнинг табиятини қарангки, ... Тўқим табиат қ. тўқим.*

7 с. т. эск. Яратувчи, илохий куч, худо. *Табиат хотин-қизларни зўр истеъдодли қилиб яратган, уларга ақл-идрок ато қилган.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**ТАБИАТАН** [а] *рви* Табиатига кўра, табиатига, мижозига мос ўлароқ. У киши табиатан хушфейл одам бўлсалар ҳам .. бирдан тутақчи кетардилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ботир йиғирма уч ёшларда бўлиб, табиатан шўх, ичида гап сақламайдиган йигит эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ТАБИАТЛИ** Ўзига хос характер, феъл, хулқ-атвор ёки хусусиятга эга бўлган. *Оғир табиатли одам.* *Енгил табиатли аёл.* — *Ҳақиқатан ҳам ҳожининг усталиги Ўзбек ойимдек думбул табиатли хотинларни гангитарли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизғин табиатли темирчининг юраги шу кунларда ҳар соат янги ўй, янги мулоҳаза билан ҳовлиқар, ишида ҳам бирор тартиб қолмаган эди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАБИАТСОЗЛИК** Кимсанинг кўнглига, дидига қараб иш тутиш; кўнгли-созлик. *Сўнги кунларини кечираётган куз ҳам колхозчилар билан табиатсозлик қилиб, ҳар қачонгидан кўра дили равшан кўринарди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ТАБИАТШУНОС** [а+ф-т] Табиатни ўрганувчи, текширувчи киши, табиёт олими. *Марҳамат Қудратга ёш табиатшунослар тўғраги тузишда кўмаклашигин деган эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТАБИАТШУНОСЛИК** 1 Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан; табиёт.

2 Табиий фанларнинг умумий номи.  
**ТАБИБ** [а] 1 эск. Беморларни даволовчи мутахассис; врач. *Қасалнинг тувалиси келса, табиб ўз ёғи билан келади.* Мақол. Табиб, табиб эмас, бошидан ўтган табиб. Мақол. — Бухороий шарифда Абу Али Ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Замоनावий медицина илмидан беҳабар бўлгани ҳолда беморларни ишонтириб, уларни билар-билмас даволашни ўзига касб қилиб олган киши. Табиб қўй жигарини хом кабоб қилиб бужғун сепиб енг деган эди, .. дарди шифо топмабди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАБИБГАРЧИЛИК** с. т. Табиблик. Табибгарчилик қилмоқ. — Биз энди табибгарчиликдан хабаримиз йўқ одам. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ТАБИБЛИК** табиб с. касб оти. Қишлоқда ўттиз беш йилдан бери табиблик қилиб юрган ва кейинги йилларда колхоз амбулаториясида ишлаган чол Норматнинг синиқ суяқларини топиб .. улади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАБИБЧИЛИК** с. т. Табиблик.  
**ТАБИЙЁТ** [а] 1 Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан; табиатшунослик. Табиёт илмидан ижтимоёт илми сари борган қудратли оқим. — Маркс даврида ҳам бор эди. В. И. Ленин, Социализмнинг яна бир йўқ қилиниши.

2 Мактабда табиат тўғрисида ўқитиладиган предмет номи. Табиётдан «5» баҳо олдим. Табиёт ўқитувачиси.

**ТАБИЙ** [а] 1 Табиатга, объектив мавжудотга оид. Табиий шароит. Табиий ҳодисалар. Табиий фанлар. | Табиатда бор бўлган; табиатда тайёр ҳолда топиладиган; асил, ҳақиқий. Табиий ипак. Табиий газ. Табиий чегаралар давлатларнинг чегараларини белгилувчи дарё, тоғ ва ш. к. | Табиат кучларининг таъсири натижасида юзга келадиган, ногаҳоний. Табиий офатлар. | Аслида мавжуд. Лабидаги табиий холи ўзига келишган.

2 Қишининг табиатига хос, ясама, ёлғондакам бўлмаган; чин. Табиий кулги. Табиий қўрқув.

3 Ўз-ўзидан келиб чиқадиган, мантқиққа, ақлга тўғри. Июль ойида ҳавонинг иссиқ келиши табиий.

4 Албатта, ўз-ўзидан, шубҳасиз. Табиий, Хушрўйнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб бир иш қилмоқдан қўрқардилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сўзамол, бадавлат қори тоғанинг бирдан кўз южиб сукутга ботишининг сабабини, табиий, Йўлчи тушунмади. Ойбек, Кўтлуг қон.

**ТАБИЙЛИК** табиий с. мавҳ. от. Модданинг табиийлиги. Табассумнинг табиийлиги. — [Кумуш] латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига

ишонмагандек қашиб кўрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАБИЙ-ТАРИХИЙ** [а] Тарихий тараққиёт натижасида ўз-ўзидан қонуниятли равишда келиб чиқадиган, тарихий-зарурий. Марксда «янги» жамият ўйлаб чиқариш, яратиш хом ҳаёли маъносидан утопизмдан асар ҳам йўқ. Йўқ, у янги жамиятнинг эски жамиятдан тугилишини, эски жамиятдан янги жамиятга ўтиш формаларини табиий-тарихий процесс сифатида ўрганди. В. И. Ленин, Давлат ва революция.

**ТАБИЙОН** [а] эск. Материализм тарафдори; материалист.

**ТАБЛА** [а] диал. Отлар турадиган оғилхона; отхона. Шоҳдархоннинг саксон таблада бедов оти бор эди. «Ғур-ўғли».

**ТАБЛЁТКА** [р<фр] Тугмача шаклидаги дори, хап дори. Хинин таблеткаси. Таблетка ютмоқ.

**ТАБЛИЦА** [р<лат] Графаларга бартариб қилиб жойлаштирилган ва рақамларда ифодаланган маълумот; жалвал. Математик таблицалар. Таблица тузмоқ.

**ТАБЛО** [р<фр] Текшириш объектининг ахводини ёки мусобақанинг бориши ва натижаларини ёзиб кўрсатиб туриладиган сигнал тахтаси. Темир йўл таблоси. — Қўйиб-пишиб дарвозага ким тўп киритди-ю, қайси анқов дарвозабон ўз дарвозасига келган тўпни ушломай қолди. Буларнинг ҳаммасини .. табло ҳисобга олиб туради. В. Махкамов, Табло қиссаси.

**ТАБОБАТ** [а] Даволаш усуллари ва воситалари (асосан шарқ халқ медицинасига нисбатан ишлатилади). Нонушта пировард бўлганча домла шарқ табобати ва унинг машҳур кишилари тўғрисида сўзлади. А. Қаҳқор, Сароб. — Кеҳирасиз, ўртоқ Қўйқоров, табобатга уқувим йўқроқ, — деди Саидғози мулоҳимлик билан. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАБОБАТХОНА** [а+ф-т] эск. Шифохона, касалхона.

**ТАБОР** [ф-т] Бирга кўчиб юрадиган лўлилар тўдаси ва уларнинг кўч-кўрони, шунингдек уларнинг қўнган жойи. Хешу табор қ, хеш.

**ТАБРИЗ** [ф-т] Ўзбекистонда ўсадиган узум навларидан бири. | Шу узумдан солинган майиз.

**ТАБРИК** [а] 1 Яхши тилак, хайрихоҳлик хисларини ифодаловчи мурожаат; қутлов. Пионерларнинг сўезд қатнашчиларига табриқи. Табрик сўзлари.

— Меҳмонлар билан вакилларнинг қизгин табриклари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Шундай қутлов сўзлари ёзилган текст; табрикнома. Табрикни ўқиб эшиттирмоқ.

2 Ҳаётда юз берган бирор муҳим воқеа муносабати билан изҳор этилган қутлов, муборакбод. Табрик этмоқ (қилмоқ). — Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнғайсизланган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТАБРИКЛАМОҚ** 1 Яхши тилак, хайрихоҳлик билан мурожаат қилмоқ; қутламоқ. Сўезд делегатларини пионерлар табриклади.

2 Ҳаётда юз берган муҳим воқеа муносабати билан қутламоқ, муборакбод этмоқ, табрик этмоқ. Зиг шоҳичи .. қўғ тидорни Отабекдек бир йегишни кувё қилиши билан табриклади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Табриклади мени ўғил-қизларим, Суюнчимдан ешга тўғди кўзларим! Фозил шоир.

3 Кўчма Маъқулламақ, маъқуллаб қарши олмақ. Сўезд қарорларини табриклаймиз.

**ТАБРИКЛАНМОҚ** табрикламоқ фл. мавж. н.

**ТАБРИКЛАШМОҚ** табрикламоқ фл. бирг. н. Мукофотланганлар бир-бирларини қайта-қайта табриклайди.

**ТАБРИКНОМА** [а+ф-т] Табрик сўзлари ёзилган мактуб, табрик хаги. Табрикнома йўлламоқ, Табрикномани ўқиб бермоқ.

**ТАБУРЕТ(КА)** [р] Суялчинг бўлмаган, квадрат ёки гардиш шаклидаги ўриндиқ; курси. Мақовул ака борди-ю, Ғуломжон тутган табуреткага ўтирмади, қўлларини қовуштириб иззат сақлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАБЪ** I [а] эск. кт. айн. таъб.  
**ТАБЪ** II [а]: таъб этмоқ эск. нашр этмоқ, босмахонада босмоқ ёки бостирмоқ, чоп қилмоқ.

**ТАВАЖЖУХ** [а] 1 Кимсага хайрихоҳлик билан юз ўғтириш, ихлос; хурмат, эҳтиром. Жанобларининг камбағалпарварлиги ҳаммамизда, айниқса авом халқда таважжуҳ уйғотди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У Ғуломжонни шу вақтгача танимгани учун афсус еяр, ошкор бир таважжуҳ билан унга қараб-қараб қўяр эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Диққат-эътибор. У [Самарқанд] ўзининг тарихий обидалари билан яқираб, бутун ер юзи халқларининг таважжуҳини ўзига тортиб туради. Ғ. Ғулом, Самарқанд сайқали.

3 дин. Худога ёлвориб, илтижо. Эшон ҳол-аҳвол сўраганда, ҳожи ўрнидан туриб, таъзим қилди: — Худога шукур, дуою таважжуҳларининг шарофатидан соғ-саломатман. Айний, Дохунда.

**ТАВАККАЛ** [а] 1 Узоқ мулоҳаза қилиб ўлтирмай, нима бўлса бўлар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинган ҳаракат. Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилмаймиз. Таваккалнинг туби тош, бошини урсанг ёрилади. Шухрат, Шинелли йиллар. [Собир ака:] .. Ахир, хизматларида, умр савдоси мол савдоси эмаски, таваккал деб юборсак. О. Ёқубов, Чин инсон.

2 дин. Бутун умидни худога боғлаш, худонинг марҳаматига ишониб. Қўргилқандан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди. Ойбек, Нур қидриб.

**ТАВАККАЛЧИ** Таваккалчи, таваккал билан иш қилувчи. Таваккалчи одам. — *Уйчининг ўйи битунча, таваккалчининг иши битади, дейдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кушли.

**ТАВАККАЛЧИЛИК** 1 таваккалчи с. маъ. от.

2 Таваккалчи одамга хос иш, хатти-харакат; таваккал иш. Билимсиз, тажрибасиз болаларни, менинг қаршиликимга қарамай, қалтис таваккалчиликка бошлаган сиз эмасми эдингиз? А. Мухтор, Тугилиш.

**ТАВАЛЛО** [a] эск. Ёлвориш, ялипиб сўраш, илтижо. *Хар неча қилсам тавалло, зори қилсам илтифот.* Муқимий.

**ТАВАЛЛУД** [a] эск. 1 Тугилиш, дунёга келиш. *Навой таваллудининг 500 йиллиги.* Таваллуд топмоқ тугилмоқ, дунёга келмоқ. *Таваллуд топган чақалоқнинг биринчи эҳтиёжи пахтага бўлади.* Х. Нуъмон, Чанок.

2 *қўйма Вужудга келиш, пайдо бўлиш.* Таваллуд қилмоқ.

**ТАВАН** [ф-т] этн. Хотинлар тўйга олиб келадиган мева ва кийимликлардан иборат тортиқ; тухфа. *Бунча хотин, бунча бола-чақа, бунча таван қарга сиғади?* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАВАНБОШИ** этн. Таванларни қабул қилиб олиш, меҳмонларга патнис тузаш учун таванхонага бош қилиб қўйилган хотин.

**ТАВАНХОНА** [ф-т] Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга патнис тузаладиган, совға-саломлар, тўёналар, таванлар қабул қилиб олинадиган хона. *Тўёналар таванхонага уйиб қўйилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТАВАНЧИ** 1 айн. таванбоши.

2 тар. Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга хизмат кўрсатувчи ходим. *Таванчилар оёқ учи билан юриб, чаққонлик билан дастурхон эдилар.* Ойбек, Навоий.

**ТАВАҚА** с. т. айн. табақа 1. Дарвозанинг бир тавақаси очик.

**ТАВАҚАЛИ** с. т. Табақали. Афанди эшик бозоридан ўтаётди, икки тавақали эшикни кўтариб қолди. «Латифалар».

**ТАВАҚҚУФ** [a] эск. кт. Тўхташ, сабр қилиш. *Йўқ, таваққуф қилинг.* А. Қаххор, Сароб. **Таваққуф қилмай** тўхтамай, кутиб ўтирмасдан, дарҳол.

**ТАВАХХУМ** [a] эск. кт. Ваҳимага тушиш, кўрқиш, кўркув. *Таваҳхум қилмоқ* (тортмоқ).

**ТАВБА** [a] 1 Қилмишидан таъзир еб ёки пушаймон бўлиб, уни қайтармаслик учун қилинган азм-қарор, берилган ваъда ёки қилмиши учун сўралган узр. *Менинг тавбамни лоқақ ўзларингиз учун қабул қилингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Агарчи мендан ўтган бўлса ҳар саҳву хато, дилдор, Кечирсин, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб кетсин.* Ҳамза. **Тавбасига таянмоқ** қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлмоқ, роса таъзирини емоқ. — *Хўп, кетаман. Лекин билиб қўйинг, ойим қиз,*

*пушаймон* ёйсиз, тавбангизга таяниб қоласиз,— деди Анвар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 унд. с. Таажжубланишни, ҳайронликни ифодалайди. *Нега бир оғиз сўзга ҳам арзimas эканман? Тавба.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йўлчи «тавба» деб ўрнидан турди, кетмонни олиб ишга тушди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАВБА-ТАЗАРРУ** [a] Қилмиши учун астойдил кечирим сўраш; қилмишига ўқиниб иқрор бўлиб, ялиниб сўралган узр. *Халқ бундай ёлворишга, тавба-тазарруларга қўлоқ солмади, чунки иш ўтган, ғишт қолгандан кўнган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. (Жонфиғон:) .. *хотинига неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди бирон жойга кириб ишлаганга, астойдил ишлаганга сўз берибди.* А. Қаххор, Жонфиғон.

**ТАВИР** Диккакдан кичик, узун сочқоқли, эгар остидан икки ёққа ёйиб ташланадиган от абзали.

**ТАВКАР** Тўрт ошиқ ташлаб ўйналадиган қимор ва унда қатнашувчи қиморбозлар давраси. *Бошладилар ошдан сўнг Зўр тавкар — қимор.* Қаршилик йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр. Ғайратий.

**ТАВКАРГИР** эск. Қиморда ютуқдан чўтал олувчи; чўталчи. *Охири Абдурахмон чойхонашишин, тавкаргир ва бобойи бангалар орасидан ўзига замин топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТАВОЗЕ** [a] 1 Ўзини хокисор тутиш; хокисорлик, камтарлик. *Гулбахор унга [аёлга] аввал тавозе билан эгилиб салом берди, кейин бориб, елкасини тугиб кўришди.* С. Зуннунова, Гулбахор.

2 Ҳурмат, иззат-эҳтиром. — *Мен сизни кузатиб қўёлмайман,— деди аёл тавозе билан кулиб.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *қўйма* Итоатгўйлик, бўйсунуш. *Улардан [амалдорлардан] ҳеч бир кишига ёмонлик келмайди, улар ёлғиз тартибни, тавозени талаб қилишади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАВОЗЕЛАНМОҚ** 1 Ўзини паст тутмоқ, хокисорлик, камтарлик қилмоқ.

2 Ҳурмат, иззат-эҳтиром кўрсатмоқ. — *Худога шуқур, давлатлари кўланкасида,— деб қўрбоши тавозеланди ва қўл қовуштириб қушбешининг яқинига чўккалади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАВОЗЕЛИ** 1 Кишиларга тавозе билан муомала қилувчи, хокисор, камтар. *Бу [Дарवेशали] ўқимишли, тавозели одам бўлса ҳам кўп жиҳатлардан акасига ўхшамасди.* Ойбек, Навоий.

2 *қўйма* Итоатли, бўйсунувчи. У [Сафар чўтир] *аввалгидан мулоим, тавозели, ювғош эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТАВОНГАР** [ф-т] эск. Бадавлат, давлатманд, серпул, бой. Анда *тавонгар сўрадики, бировага ҳалол ва бировага ҳаром таом бўлурми, деб.* А. Қаххор, Миллатчилар.

**ТАВОНО** [ф-т] Забардаст, бақувват, соғлом. *Тавоно чол.* — *Бу одамнинг сену*

*маъдек қўлидан иш келадиган тавоно ўғиллари бор.* С. Абдулло, Соғлар.

**ТАВОФ** [a]: **тавоф қилмоқ** 1) дин. муқаддас, табаррук деб ҳисобланган кимса, Ҳарса, жой атрофини зиёрат қилмоқ. *Мақсуд олий келтиради.* Азизбойнинг имоси билан ярим сажда қилган ҳолатда эшонни тавоф қилади. Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) *қўйма* муқаддас, азиз санаб эъзоламоқ, кўзга суртмоқ. *Изларини қилсам тавоф.* «Равшан».

**ТАВР** I Белги, тамға. *Тавр босмоқ.*

**ТАВР** II [ф-т] рвш. диал. Сингарни, каби; хилда, тарзда. *Қуёшнинг бу тавр ботишини .. фақат Жилвон чўлидагина кўрасиз.* Н. Юсуфий, Саидон достони.

**ТАВР** III [a] диал. Ҳол, ахвол. *Товмирилар қўймади ўз таврима, Эмранганда қонлар кетди бағрима.* «Ширин билан Шакар».

**ТАВРИДА** рвш Аслида, зотида; азалдан. *Лақаб бўлди Навоий, исми Алишер, Билим майдонида эрлар аро эр .. Бўлиб таврида олимлик нишонни, Биллими, нуктадонлар нуктадонни.* Ҳабибий.

**ТАВРОТ** [a] дин. Яхудий динининг муқаддас китоби. *Тавротда афсона бир олма учун Жаннатдан бадарга бўлганмиши одам.* Ғ. Гулом.

**ТАВСИФ** [a] I Сифат; сифатлар. *Эсизки, мен у кампирнинг таъбир ва тавсифларини эсимдан чиқарганман.* Айний, Эсдалиқлар.

2 Сифат-белгиларнинг баёни, таърифи, тасвири. *Шаҳарнинг тавсифи.* — *Камина .. нозаниннинг тавсифини эшитиб, ошиқки беқарор бўлган эдим.* Жулқунбой, Қалвак маҳзум. *Холбеканинг тавсифини, ҳусн зеболигини эшитган подшоҳлар ва хонзодалар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар дивердан совчи қўйберди.* «Кунтуғмиш». *Данааса тавсифини қилсам Ҳабибий бус-бутун.* Ҳабибий.

**ТАВСИФЛАМОҚ** Сифат-белгиларини санаб бермоқ, баён этмоқ, таърифламоқ. *Гўзаллигини тавсифламоқ.* *Машинанинг тузилишини тавсифламоқ.* — *Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тавсифлашга тил кифоя қилмайди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАВСИФЛАНМОҚ** тавсифламоқ *фл. мажх. н.*

**ТАВСИФНОМА** [a+ф-т] Бирор кишининг сифатлари баён қилинган ҳужжат; характеристика. *Мана, тавсифномамиз, энди бошқа ишга ўтсангиз.* С. Абдуқаҳҳор, Бетга айтганнинг захри йўқ.

**ТАВСИЯ** [a] 1 Бирор иш, лавозим, ўқиш ва ш. к.га лойиқ санаб тақдим этиш; рекомандация. *Агар хоҳласангиз, сизни ўрнимга тавсия қилишим мумкин эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Маслаҳат, кўрсатма. *Врачнинг тавсияси билан даво олмақ.* *Сугорининг янги усулини тавсия қилмоқ.* — *Отамнинг тавсиясидан бошқа ҳам мен шеър*

ўқини кўп севардим. Айний, Эсдаликлар.

**ТАВСИЯНОМА** [a+ф-т] Ёзма тавсия, маслаҳат; рекоммендация. Унинг [Пўлатжоннинг] партияга ўтиши учун генерал Собир Раҳимов тавсиянома ёзди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ТАВТОЛОГИК** [р тавтологический] Тавтологияга оид, тавтологиядан иборат бўлган. Тавтологик ибора.

**ТАВТОЛОГИЯ** [р <грек] Бир фикрни, тушунчани бошқа формада ёки бошқа сўзлар билан қайтаравериш; бир фикрни керагидан ортиқ такрорлаш.

**ТАВФИК** [a] 1 дин. Дин йўл-йўриқлари, диний эътиқод. Бу гуноҳкор ўғилга ўзини тавфиқ бер ва мен қулинени кечир. Ойбек, Нур қидириб.

2 кўчма Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к.дан ўзини тийиш.— Золимларга инсоф, тавфиқ берсин! — дейди бувиим кўзларига ёш олиб. Ойбек, Болалик. Тавфиққа келмоқ инсофга келмоқ, яхши йўлга кирмоқ.— У вақт,— деди Шодим,— бизни шайтон йўлдан чиқарган эди. Энди тавфиққа келдик. Айний, Қуллар.

**ТАВФИҚЛИ** 1 дин. Дин йўл-йўриқларини бажарувчи, эътиқодли; солих. 2 кўчма Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к.дан ҳазар қилувчи; инсофли, мўмин-солих.

**ТАВФИҚСИЗ** Тўғри йўлдан озган, бетавфиқ.

**ТАВК** [a]: тавки лаънат 1) тар. жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига кийгизиб қулфлаб қўйиладиган кунда; 2) кўчма бошга тушган катта ташвиш, дардисар. У [Кўчқор] Муҳаббатга уйланаётганида ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этган, болалигидан бўйнига тавки лаънат бўлиб иллинг бахтсизлик ниҳоят унутулиб кетадиган бўлди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАГ** [ф-т] 1 Нарсаннинг остки, энг пастки қисми, туби. Пақирнинг таги тешилибди. — Нима бало бўлди, осмоннинг таги тешилди! А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Нарса эгаллаб, ишғол этиб турган жой, нарса ости. Столни суриб, тагини тозаламоқ.

3 Нарсаларнинг ички пастки қисми, ичи, ораси, қаъри. Ер тагидан булоқ отилиб чиқарди.

4 Бирор ниманинг остки қисми, қатлами. Қозон (ёки ош) тагига олипти ошнинг, овқатнинг ост қисми куйибди.

5 Нарсаннинг қуйи қисми атрофидаги жой; пойгак. Болалар сада тагида ўйнашмоқда. — Тўғра девор тағларини айлантириб ҳар хил кўрпачалар ҳам солинган. П. Турсун, Ҳқитувчи.

6 Бирор нарсаннинг негизи, асоси. Таги бўш иш. Ҳўкизнинг шохига урсанг, таги зирқирайди. Мақол. | Томир, илдиэ. Шун билмас, мен қулогини таги билан суғуриб оламан. А. Қаҳҳор, Ужар.

7 айн. фон I I. Гули оқ, таги кўк чит.

8 айн. пойдевор. Иморатнинг таги ғиштдан.

9 Бирор иш, гап, ҳаракат ва ш. к. заминиде яширинган маъно, моҳият. Гапнинг тагида гап бор. — Энди таги очилди. Нима демоқчисан. Ҳамза, Паранжи сирлари. Элмурод қасобнинг «сиёсат» тўғрисидаги саволи тагида унинг ўз ғарази ва ташвиши ётганини англади. П. Турсун, Ҳқитувчи. Бу овозларнинг тагини билмоқчи бўлиб, Бухорога келдим. Айний, Жаллодлар. | кўчма Бирор иш, ҳаракат ва ш. к.дан келиб чиқадиган натижа, оқибат. Ҳазил — ҳазилнинг таги зил. Мақол. Сабр таги сар(иқ) олтин. Мақол. — Меҳнат таги роҳат, деган қадимгилар. Ойбек, О. в. шабадалар. | Бирор иш, ҳаракат ва ш. к.нинг сирини. Ҳар қалай охири бунинг таги чиқар. А. Қаҳҳор, Сароб. Тагига етмоқ 1) иш, ҳаракат, гап ва ш. к.нинг негиздаги маънони, моҳият ёки сирни очмоқ. Гапнинг тагига етмоқ. — Бу ўшининг тагига етмай қўймайман. С. Аҳмад, Ҳўкм; 2) махв этмоқ, ҳалок қилмоқ. Бу лаънати сенинг тагинга етди.

10 Бирор кимсанинг асли, зоти, келиб чиқиши. Таги душман дўст бўлмас. Мақол. — Тагимизни суриштирсангиз, наманганликмиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Тагимиз камбағал. Отамизнинг касби ҳаммолик эди. П. Турсун, Ҳқитувчи. [Бой:] Уйласанг-чи, келиб-келиб шундай таги паст бир хизматкорга хотин бўлдингми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

11 Охириги қисм, қолдиқ, охири. Тожибой чойнинг тагини хўшлаб пиёлани котибига узатди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

12 3-ш. эгаллик ва ж., ў.-п. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. тагига, тагида, тагидан).

◆ Таг жияк махс. жияк остига ёпиштирилдиган энсиз латта. Қолган-қутган ипақдан бир дўппи тикиб, қўшиндан бозорга чиқарганда, харидор ақаласи ипақ, кизак, таг жиякнинг пулини ҳам бермади. А. Қаҳҳор, Сароб. Тагига сув куймоқ қ. куймоқ I.

**ТАГДОР** [ф-т] 1 Синфий жамиятда зодагонлар нуқтан назаридан зоти, насли-пасаби яхши, аслзода. Бу бир хил асл, тагдор, хонзодами деб жойидан туриб .. бир сўз айтади. «Равшан».

2 Мазмунли, маънодор, асосли (гап, қараш ҳақида). Тўраҳонни бу тагдор гап ўйлатиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Самоварчи тагдор қилиб кўлди-да, ўзини билмаганга солди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАГДҶЗИ** [ф-т] Таги бир рангдаги ипақ билан сидирасига тўлдирилган, у ер-бу ерига гул тикилган (дўппи ҳақида). Унинг бошида ян-янги тагдўзи дўппи. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАГИГА** кўм. вазифасида Остига. Чамадонни стол тагига қўйдим. Оёғининг тагига қараб қадам бос. Мақол. — Яктак чўнтагидан носни олиб,

бир чимдимини тил тагига ташлади. Ойдин, Эр юрак.

**ТАГИДА** 1 кўм. вазифасида Остида, тубида. Чамадон каравот тагида турарди. — Мадамнинг хирмони дала этагидаги каттақон тол тагида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 рви Аслида, зотан. У тагида шундай одам.

**ТАГИДАН** кўм. вазифасида Остидан. — Сена бир хат бор,— бой патнис тагидан хатни чиқарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАГҚУРСИ** [ф-т] Ҳқириндиқ; ҳайкал ости қурилмаси, пойдевор. Мармар тагқурси.

**ТАГЛАМА** Бирор нарсаннинг остига қўйиладиган таянчиқ; остлик.

**ТАГЛИ** 1 Таги, туби бўлган; тубли. 2 айн. тагдор. Тагли одам.

**ТАГЛИ-ЖОЙЛИ** Истикомат жойини маълум. Тагли-жойли одамлар.

**ТАГЛИК** 1 Бирор буюмининг тагини, ост қисмини яшаш учун боп материал. 2 Чақалоқ тагига солиб қўйиладиган юмшоқ мата.

**ТАГНУСХА** [ф-т+а] Асл нусха; автор қўлёзмаси.

**ТАГОБИ** [ф-т] Узумнинг бир нави. | Шу хил узумдан солинган майиэ. | Ундан тайёрланган вино.

**ТАҒСИЗ** 1 Таги, туби йўқ. Тағсиз челлак.

2 кўчма Жуда чуқур. Тағсиз денгиз. — Факультет — Мунисхон билан икковининг орасида тағсиз чоғга тушган омонат кўприк эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 кўчма Бепоён, бениҳоя. Тағсиз омонда сочилиб ётган саноксиз юлдузлар гузарнинг тўрт ерига ёқиб қўйилган кунжара машъални эрмак қилаётгандек жаширлашади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Асоссиз, пуч. Тағсиз гап. **ТАГСИНЧ** Синчли иморатнинг пойдеворига ётқизиладиган ва устига синчлар қаладидиган узун, бақувват ёроқ. Малла киши ичкарига кирганда, ҳалиги эски парпаша паранжи айвон тағсинчида ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАГ-ТАХТ** [ф-т] Кимсанинг асли, асли-пасаби, зоти, келиб чиқиши. Узининг «таг-тахтига» бино қўйган одамлар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАГ-ТАХТЛИ** Синфий жамиятда зодагонлар нуқтан назаридан насли-пасаби яхши; тагдор, аслзода. Остонангизга арзийдиган таг-тахтли мастура қизлар қуриб кетиптимиз? А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАГ-ТОМИР** Туб-томар, таг-туг. Трактор .. ёввойи жийда, чангал, туранги, тол, дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан кўприб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. | кўчма Туб моҳият. Ойқиз раисинг .. дилида занг босиб ётган.. чирик фикрларни таг-томири билан суғуриб ташлашни истарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАГ-ТУВ 1 айн. таг-тахт.** [Баҳри:] Турғуннинг таг-туғини бундоғ суриштирингми? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**2 айн. таг-томир.** Жамиятга қарши қилинган ҳаракатларни ўртоқларча қоралаш буржуа қарашлар, ахлоқ ва урф-одатларнинг кўринишларини таг-туғи билан йўқотишининг асосий воситаси бўлиб боради. «КПСС Программаси».

**ТАГ-ТУБЛИ айн. таг-тахтли.** Неча хотин олиб ёлчимаган туппа-тузук, таг-тубли одамлар кўп. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАГ-ТУГ айн. таг-туб.** Таг-туғи билан кўпормоқ. — Ростини айтсам, мен шу вақтгача ҳеч бир аёлнинг таг-туғини суриштирган эмасман. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ТАГ-ТУГЛИ айн. таг-тахтли.** — Қиз бола бўйга етганда ота уйи унга торлик қилади. Ота-оналар уни «таг-туғли» жой топиб беришга шошиладилар, — деди Қумуш. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ТАГЧАРМ [ф-т]** Пойабзалнинг ост қисмига ишлатиладиган қалин чарм. Тагчарми қалин этик. Тагчарм пиширмоқ.

**ТАДБИР [а]** 1 Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси; шунинг учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар мажмуи. Ҳосилдорликни ошириш тадбирлари. — Аҳмедов бу тадбирларнинг ҳаммасини маққулади ва ўзининг ҳам мўлжал ва тақдирларини айтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Чора, илож. Тадбир топмоқ. — Ғуломжон ўзига ҳеч алоқаси бўлмаган бу таънадан .. қутулиш тадбирини излаб турганда ғура қиз янги таъна, янги ўпка билан йигит юрагини тирнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАДБИРКОР [а+ф-т]** айн. тадбирли. Тадбиркор одам эртанинг ғамини ёйди.

**ТАДБИРКОРЛИК** тадбиркор с. маъв. от. Тадбиркорлик билан иш тутмоқ. — Бу ишда яна Бабич билан Семённинг тадбиркорлиги кўй келди. Ш. Ғуломов, Инсон кўли гул.

**ТАДБИРЛИ** Тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиладиган. Тадбирли одам.

**ТАДБИРСИЗ** Ўйламасдан, режа ва тадбир кўрмасдан иш тутувчи; пала-партиш. Тадбирсиз одам. | Ўйламасдан, режа-тадбирсиз қилинган. Тошкент ҳаққи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбирсиз идораси остида ётиб жуда тўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАДРИК [а]** Тайёргарлик, ҳозирлик. Сафар тадриклари. — Чоғ тўй тадрикларини ҳам кўриб қўйган эди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ТАДРИЖ [а]** кт. Секин-аста, даража-бадаража содир бўладиган миқдорий ёки сифат ўзгаришлар, табиат ва жамият ҳодисаларининг ҳаракат ва ривожланиш формаларидан бири; эволюция.

**ТАДРИЖАН [а]** рвш Изчиллик билан, аста-секинлик билан, эволюцион тарзда, тадрижий равишда; даража-бадаража. Тадрижан ривожланмоқ.

**ТАДРИЖИЙ [а]** Секин-аста, даража-бадаража содир бўладиган; эволюцион. Табиатнинг тадрижий тақомили. Тадрижий ривожланиш. — Асарда [«Йўлчи юлдуз» пьесасида] Темир образи тадрижий ва муқаррар равишда революцион фаолиятга ўтган ўзбек меҳнаткаши образидир. «Ўзбек адабиёти тарихи очерки».

**ТАДРИЖИЙЛИК** тадрижий с. белги оти. Тараққиётнинг тадрижийлиги.

**ТАДҚИҚ [а]:** тадқиқ қилмоқ (ёки этмоқ) илмий асосда текширмоқ, ўрганмоқ, илмий асосда текшириб аниқламоқ. Тил ҳодисаларини тадқиқ этмоқ. — Шиша ва унга яқин бўлган сир, эмаль каби материалларни тадқиқ қилган олимларнинг .. ҳисоблашларида эсон бор. М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.

**ТАДҚИҚИЙ [а]** Илмий текширишга оид; илмий текширишга асосланган. Тадқиқий иш. Тадқиқий метод.

**ТАДҚИҚОТ [а]** 1 Илмий текшириш, ўрганиш. Археологик тадқиқотлар.

**2** Илмий текшириш ишларининг натижаси. Янги кашфиёт ва тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ.

**ТАДҚИҚОТЧИ** Тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи. Ёш тадқиқотчилар отряди.

**ТАДҚИҚОТЧИЛИК** тадқиқотчи с. маъв. от. Геология соҳасидаги тадқиқотчилик. Тадқиқотчилик билан шуғулланмоқ.

**ТАЁВ қам қўлл.** айн. тиргак. Таёвларни тиранг қирғоққа, Абдукарим, сен кел бу ёққа. Э. Раҳим.

**ТАЁҚ 1** Дарахт шохидан кесиб олинган, унчалик йўғон бўлмаган калтак; сўйил. Узун таёқ. Қуруқ таёқ.

**2** кўчма Калтак; калтақдан теккан зарб; мушт. Индагандан индамаган яхшироқ, индадим — тегди бошимга таёқ. Мақол. Саёқ юрган таёқ ер. Мақол.

**3 айн. ҳасса.** Оёқ чарчаси, таёқ ярайди. Мақол. Эчкининг калтак егиси келса, чўпоннинг таёғига сурканади. Мақол. — Ота залварли таёғини қорғаниқтаб босиб, бардам қадам ташларди. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Айтилмаган кўноқ** — йўнмаган таёқ айтмаган жойга меҳмон бўлиб бориш орсизлик бўлади, деган маънодаги мақол. Бояги-бояги — бойхўжанинг таёғи қ. бояги.

**ТАЁҚЛАМОҚ** Таёқ билан урмоқ, калтакламоқ.

**ТАЁҚЛАНМОҚ** таёқламоқ фл. мажж. н. У, етим болаларни, таёқланган чолларни, хўрланган қизларни кўрди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ТАЁҚЛАТМОҚ** таёқламоқ фл. орт. н.

**ТАЁҚЛАШМОҚ** таёқламоқ фл. бирг. н.

**ТАЁҚЛИ** Таёғи бор, таёқ кўтарган **ТАЁҚЧА 1** Кичкина таёқ.

**2 айн. стержень.** Темир таёқча.

◆ **Кох таёқчаси** мед. сил касалинини микроби.

**ТАЖАЛЛИ [а]** эск. кт. Жилва, жило; жиллолар. Хуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар, Андоққи зоҳир ўлмас хуриш чикса кавкаб. Нодира.

**ТАЖАММУЛ [а]** эск. Керакли нардалар, зийнат буюмлари. Қизниқиди ҳамма тажаммулни тайёрлаб, Комилбекнинг отасидан тортиб никоҳ қилдиган қози-ю қуззотларгача қувени қутиб ўлтирар эканлар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАЖАНГ [а]** Бекорга жаҳли чиқарилган, жиғибийрон бўлаверадиган; жаҳли, аччиғи тез. Тажанг одам. — Петка ҳар сафар қайтишда хўноб бўлар, сўкина ва Аҳмаджонни ҳам тажанг гумон қилиб, унга тасонни берар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТАЖАНГ БЎЛМОҚ** ортиқ даражада асабийланимоқ, жаҳли чиқиб тутақиб кетмоқ. — Одамлар дам оладиган айвонни нега қурмадигиз, — деди у [Поводин] тажанг бўлиб, ахир, топириқ олган эдингиз кў! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАЖАНГ ҚИЛМОҚ** ортиқ даражада асабийлаштирмоқ, жаҳлини чиқармоқ. Бу гап Саидийни тажанг қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТАЖАНГЛАНМОҚ** Ортиқ асабийлашмоқ, тажанг бўлмоқ.

**ТАЖАНГЛАШМОҚ** Тобора тажанг бўлмоқ, тажанглиги ошмоқ.

**ТАЖАНГЛИК** тажанг с. белги оти. — Татар қайтдимиз? — деб сўрайди Мулла Обид. — Қайтди, тажанглиги ошиб, яна далага кетди! — деб қулади Мардонбой. А. Қодирий, Обид кетмон. У тажанглик билан қўлларини яна ўйнатди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Овозида тажанглик, асабийлик бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАЖАССУМ [а]** эск. кт. Гавдаланган, мужассамланган, мужассам ҳолда намоён бўлган.

**ТАЖАССУМЛАНМОҚ** эск. кт. Гавдаланмоқ, мужассамланмоқ, мужассам ҳолда намоён бўлмоқ, тасавурда пайдо бўлмоқ. Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо жонсиз жилвалари кўз олдига тажассумланади. Ойбек, Навоий.

**ТАЖНИС [а]** 1 Сўз ўйини.

**2** ад. Омоним сўзлардан иборат қофияли шеър (мас. туюқ). Қўлингдан келганича чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от, Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим, Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от. «Равшан».

**ТАЖОВУЗ [а]** сиёс. Бир ёки бир неча давлатнинг бошқа мамлакатларни бўйсундириш, уларнинг ерларини босиб олиш мақсадида қурол кучи билан бостириб кириш; агрессия. Имперализмнинг хўр мамлакатларга тажовузулари. — Совет халқи социалистик Ватанини гала-гала душманлар тажовузидан сақлаб қолди. «КПСС тарихи».



◆ **Номусига тажовуз қилмоқ** ному-сига теғмоқ, зўрламоқ.

**ТАЖОВУЗҚОР** [a+ф-т] Тажовуз, агрессия сиёсатини қўлловчи; агрессиячи, агрессор. *Тажовузкор давлатлар.*

**ТАЖОВУЗҚОРЛАРЧА** *рви* Тажовузкорлар, агрессорлар сингари, тажовузкорлик билан, агрессив ранишда; тажовузкорона. *Империалистик мамлакатларнинг тажовузкорларча ҳаракати.*

**ТАЖОВУЗҚОРЛИК** Бошқаларнинг ерларини босиб олиш мақсадларига қаратилган, агрессиядан иборат бўлган сиёсат ва ҳаракат. *Тажовузкорлик сиёсати.*

**ТАЖОВУЗҚОРОНА** [a+ф-т] *айн.* тажовузкорларча.

**ТАЖОВУЗЧИ** *айн.* тажовузкор.

**ТАЖРИБА** [a] 1 Амалий ишда, ҳаётда ўзлаштирилган, орттирилган билимлар, малакалар, ўқувлар мажмуи. *Ҳаётий тажриба. Педагогик тажриба. Илғорларнинг тажрибасини ўрганмоқ.* — *Бизнинг вазиғамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиш ва шу билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишдир.* А Қаҳҳор, Қўшчинор. **Тажриба кўрмоқ** (эки олмоқ, орттирмоқ) амалий ишда, ҳаётда билим, малака, ўқув орттирмоқ; ўрганмоқ, билмоқ. *Эркаларнинг бири марказий газетанинг муҳбири, иккинчиси — инженер қиз, Москвада институтни ботириб ҳозир шу инженернинг қўлида тажриба кўриб юрган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Турмушда кўрилган, синалган иш, нарсас. *Тажрибада кўрмоқ. Уз тажрибасига ишонмоқ.*

2 **Материалистик философияда:** объектив дунёни, оламни ўзгартиришга қаратилган ижтимоий практиканинг киши онгидаги инъикоси. *Ҳиссий тажриба. Санъаткорнинг эстетик тажрибаси.*

3 Бирор ҳодисани ўрганиш, тадқиқ қилиш, аниқлаш мақсадида суъвий шаронгта ўтказиладиган синов; эксперимент. *Физик тажриба. Химиявий тажриба. Тажриба станцияси. Тажриба участкалари.* — *Реакторда турли хил тажрибалар ўтказиш учун кенг имкониятлар бор.* «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

4 Бирор ишни рўёбга чиқариш йўлидаги уриниш, ҳаракат. *Еш ёзувчининг биринчи тажрибаси.*

**ТАЖРИБАВИЙ** [a] Тажрибага оид, тажрибага асосланган; экспериментал, амалий. *Тажрибавий ва назарий физика.*

**ТАЖРИБАДОР** [a+ф-т] *айн.* тажрибали. *Тажрибадор йилқичилар.*

**ТАЖРИБАКОР** [a+ф-т] 1 *айн.* тажрибали. *Тажрибакор одамлар.* — [Қодир:] *Бригадирликка, звеновойликка энг яхши, илғор, тажрибакор, ишнинг кўзини билладиган, жонкуяр одамларни сайламоқчимиз.* Уйғун, Навбахор.

2 Тажриба ўтказувчи, тажриба билан шуғулланувчи; экспериментчи.

*Лебедев — жаҳон фанининг тарихида ёруғлик босимини биринчи бўлиб аниқлаган машҳур тажрибакор олим.*

**ТАЖРИБАКОРЛИК тажрибакор с. мавҳ. от.** — *Соқол тажрибакорликдан оқаради.* — *деди у намоъдан қайтиб келган чолга.* Ғ. Расул, Адолат.

**ТАЖРИБАЛИ** Катта тажрибага эга бўлган, кўп тажриба, малака орттирган. *Тажрибали ўқитувчи. Тажрибали раҳбар.* — *Низора Акрамни тажрибали, билимдон врач деб ҳурмат қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарҳақиқат, пахтаи тушуна оладиган, ерни билладиган тажрибали раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАЖРИБАСИЗ** Иш тажрибаси бўлмаган; фўр, хом. *Тажрибасиз агроном.* — *Мен ҳаммани бир-бир синаб кўрганимдан кейин Ҳасанни ҳаммадан тажрибасизроқ, соддароқ топиб шуни овлашга киришдим.* Айний, Қуллар.

**ТАЖРИБАСИЗЛИК тажрибасиз с. белеи оти.** *Сиёсий тажрибасизлик. Тажрибасизлик оқибатидаги камчилик.* — *Мана, кечаги воқеани олинг. Самолётлар ҳужуми вақтида командирлар тажрибасизлик қилишди, жангчилар шошиб қолишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАЖРИБАЧИ** *айн.* тажрибакор 2. *Тажрибачи студент.*

**ТАЗИЙҚ** [a] 1 Куч билан, зўрлаб ўтказилган таъсир, сиқув. *Жамоатчиликнинг тазийқи. Тазийқ кўрсатмоқ. Уз фикрини тазийқ билан ўтказмоқ.* — *Инглиз хўжайинларининг тазийқи билан Ҳайдархўжа яна жиддийроқ ишга киришди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 *эск. физ.* Босим. *Суюқликнинг тазийқи.*

**ТАЗКИРА** [a] 1 Ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқа маълумот берилган ва шеърларидан мисоллар келтирилган тўплам; антология.

2 *айн.* мемуар.

**ТАЗМИН** [a] *ад.* Бир шоир шеърига иккинчи шоир томонидан ўхшатма қилиб ва ундан парчалар олиб ёзилган шеър. *Ғарибий хатни Муқимийга узатди.* ..*Бу шеър, Муқимийнинг Йиғчи эшон ҳақидаги ҳажегага тазмин эди.* С. Абдулла, Қувғайнда.

**ТАЙ:** тай қилмоқ (эки урмоқ) *эск.* кезиб, юриб, айланиб чиқмоқ. *Бирталай манзил-мароҳил тай қилиб, кўп юриб, кўп юрсам ҳам мўл юриб, Аччабод деган шаҳри азима борганимда, бир тўда катта-кичик, қора-қура ўспиринлар атрофимни ўраб олишди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ТАЙГА** [p] Осиё, Европа ва Американинг шимолидаги қалин ўрмон зонаси. *Тайга ўрмонлари. Тайга иқлими.*

**ТАЙЁР** [a] 1 Бирор ишга шайланиб, ҳозирланиб турган, шай, ҳозир. *Улар [солдатлар] милтиқларини осмонга ўқталиб, ҳар дам отишга тайёр турардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бирор ишга мойил, рози бўлган, ҳозир. *Сиз учун ҳамма нарсага тайёр*

*ман.* — *Йўлчи шу чоқда қанча ақнаси бўлса ҳам беришга тайёр эди. ...лекин эндида бир сийқа тийини йўқ эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бекнинг юраги ҳозир бўлса ҳам Марғилонга қараб учишга тайёр эди.* А. Қодирий, Утган куллар. | Бирор ҳодисанинг, ишнинг бошланиши, юз бериши, амалга ошиши учун етилиб ёки тахт бўлиб турган. *Ғунчалар очилишга тайёр.* — *Уйланганмисан? — деди Дубенко Йўлдошга.* — *Йўқ.* — *Ҳа, сен-чи? Уйланган ҳисоб.* *Тайёр. Бордик — тўй.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ҳозирлаб, битказиб қўйилган, битказилган, истеъмол қилини, ишлатиш учун яроқли ҳолга келтирилган. *Тайёр кийимлар. Тайёр маҳсулотлар.* — *Сут чой тайёр бўлди, сузиб кирайми? А. Қодирий, Утган кунлар.* | Бирор иш, мақсад учун мос ҳолга келтирилган, ҳозирлаб қўйилган. — *Сув тайёр, ҳозир берман.* — *Кўрқмай, лекин итот билан гапирди Гулнор.* Ойбек, Қутлуг қон. | Маржуд бўлган, бор, муҳайё. *Бизнинг бу жойларда, шукур, ҳамма вақт оқар сув тайёр.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *рви* Худди, айнан, нақ. *Қизи тушмагур-ей, тайёр, онасининг ўзи!*

◆ **Тайёр ошга баковул қ. баковул.** **ТАЙЁРГАР** [a+ф-т] Тайёр жияк ва кизакларни тепага ўтказиб, тепчиб дўшпа тайёрловчи хунарманд.

**ТАЙЁРГАРЛИК** 1 Тайёр ҳолга келтириш, ҳозирлаш ёки тайёрланиш, ҳозирланиш учун кўриладиган чоратадбир, ҳаракат; ҳозирлик. *Имтиҳонга тайёргарлик. Сафарга тайёргарлик. Баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик.* — *Домла тил-имло масаласида чақирилладиган кенгашига тайёргарлик кўриб, бир талай «янги сўз» ижод қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тайёрлик, ҳозирлик, шайлик даражаси. *Сиёсий тайёргарлик.* — *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай борётганлигини текширди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ **Артиллерия тайёргарлиги** қўшинларнинг ҳужуми олдида душман позициясини тўпга тутиш.

**ТАЙЁРГАРЧИЛИК** *айн.* тайёргарлик 1.

**ТАЙЁРЛАМОҚ** 1 Тайёр, муҳайё, тахт қилмоқ; ҳозирламоқ. *Қишга ўтин тайёрламоқ.* — *Гулнор ҳамма нарсани бир зумда тайёрлаб, دادасига кўрсатди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Ўқитиб, ўргатиб, машқ қилдириб, билим, малака бермоқ, етилттирмоқ; етиштирмоқ. *Қадрлар тайёрламоқ. Имтиҳонга тайёрламоқ.* — *Тищенко уни [Малоҳатни] бир мунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат киргизиб ҳам қўйибди.* А. Қаҳҳор, Жоңғон. | Тайёр, шай ҳолга келтирмоқ; ҳозирламоқ. *Армияни жангга тайёрламоқ.*

3 Ишлатиш, истеъмол қилиш учун ҳозирламоқ, тайёр қилмоқ. *Овқат тай-*

ёрламоқ. — Эрта билан Хасанали аравани қўшиб тайёрлагач, майда-чуйда аравага ташилар эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Сен қизларингени овоз қўй, Нигор, дастурхон тайёрлаб, чой қайнат. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. | Ишлаб битирмоқ, битказмоқ, тайёр қилмоқ. [Унсин] Йўлчи учун ўзи тайёрлаган яхши тағдўзи дўппини кийдири. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАЙЁРЛАНМОҚ** 1 тайёрламоқ фл. мажх. н. Фабрикада тайёрланган маҳсулот. — Шу вақтда Гулсумбиби бетоб, иштаҳасиз қизи учун ўз ҳовлисидан, ўз декчасида тайёрланган бир коса серқатиқ хўрда ошини авайлаб кўтариб, эшикдан кириб келди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**2 тайёрламоқ** 2 фл. ўзл. н. Петроград ва Закавказьедаги яширин ишчи ташилотлари билан яқин алоқада бўлган бу ташилот Тошкент бўйлаб катта бир воқеага тайёрланарди. С. Аҳмад, Хукм. Деворага суяниб ўтирганича [эшон] томоғини қилтилла-тиб, нимадир демоққа тайёрланган эди, ташиқаридан кимнингдир йўталгани эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАЙЁРЛАТМОҚ** тайёрламоқ фл. орт н. Утин тайёрлатмоқ. Дарс тайёрлатмоқ.

**ТАЙЁРЛАШМОҚ** тайёрламоқ фл. бирг. н. Болалар дарс тайёрлашяпти. Қолхозчилар ўғит тайёрлашяпти.

**ТАЙЁРЛИК** 1 тайёр 1—3 с. белги оти.

**2 айн. тайёргарлик.** Шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли тайёрлик кўролмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ТАЙЁРЛОВ** тайёрламоқ фл. иш оти. Чорвани қишга тайёрлов. Тайёрлов пункти. Тайёрлов курси. — Қори настки синфларни ўқитар ва ҳар ёз ўқитувчилар қайта тайёрлов курсида ўқиб билимини ошириб туради. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАЙЁРЛОВЧИ** тайёрламоқ фл. ш. оти. Дарс тайёрловчилар. Наирга тайёрловчилар.

**ТАЙИБ** с. т. Табиб.

**ТАЙИН** [а] 1 сфм Аниқ, муайян, белгили, тайинли. Тайин вақт. Тайин иш. — [Гулсумбиби:] Йигитнинг қўлида гулдай хунари бор экан, уйи-жойи тайин экан, яна сенга нима керак? Ойбек, Қутлуғ қон. **Тайин қилмоқ** (ёки этмоқ) айн. тайинламоқ. Ишга тайин қилмоқ. — Унинг ёшини тайин қилиш қийин, қадди у қадар эзилмаган. Ойбек, Қутлуғ қон. Сутчи ота тайин қилган кунлари келдилар. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. | Муқаррар, албатта, шубҳасиз. Бу ишлар ичидан шундайлари ҳам бўлар эдики, иш-ишини қилинмаса, бошқа ишга ҳам таъсир қилиши тайин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Зўрага дучор бўлган тайин ўлади, Аждаҳо ҳам Ша-

карбекдан сўлади. «Ширип билан Шакар».

**2 от** Бурд, ишонч; аниқлик. [Турдиали:] Э, тайининг борми, ўзи! Нима, шайтонни мен яратибманми? Ўзинг яратгансан. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. Ойига уч марта отаси юборадиган пул тўхтади. Туриқчилликнинг тайини кетди! С. Аҳмад, Хукм. **Тайини йўқ** 1) номаълум, ноаниқ, нотайин. Тўйнинг қачон бўлишининг ҳали тайини йўқ. — [Қумри:] Билмадим, айланай, пулнинг ҳам тайини йўқ эди. О. Ёқубов, Чин муҳаббат; 2) бурдсиз, ишониб бўлмайдиган, бетайин. — Йўқ, тайини йўқроқ бола экан, бир кунни қарасам, бошқа бир қиз билан.. юрибди,— деди Гулчехра. У. Назаров, Ғурур.

**3 от** Аниқ нарса, аниқ вақт, аниқ иш ва ш. к.— Бор, Оққизжон, тайинини билиб кел!—деб, вазир қизини юборди. «Равшан».

**ТАЙИНЛАМОҚ** 1 Аниқламоқ, аниқ белгиламоқ, Мажлис вақтини тайинламоқ. | Қатъий белгиламоқ, кесмоқ. Пенсия тайинламоқ.

**2** Таъкидлаб, уқдириб айтмоқ.— Хафа бўлманг, мен кеча сизнинг тўғринида бир одама секин тайинлаб қўйдим. Шу ерда қоласиз,— деди Каримов. П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Тошшироқ бермоқ. [Мавлонов:] Бу кишининг аҳволидан хабар олиб туринг,— деб қаттиқ тайинлаб кетган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**4** Мансабга, вазифага, ишга қўймоқ. Ишга тайинламоқ. Директор қилиб тайинламоқ. — [Мусулмонқул:] Бу мадрасаларга хизмати билан танилган уламодан мударрислар тайинлар эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ТАЙИНЛАНМОҚ** тайинламоқ фл. мажх. н. Кекса қолхозчиларга пенсия тайинланди. Мажлис кунини тайинланди. Янги тайинланган ходим. — Қоғоз Элмуроднинг Қамишқапа қишлоқ мактабига ўқитувчи қилиб тайинлангани тўғрисида эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАЙИНЛИ** 1 Муайян, маълум, аниқ, тайин. Тайинли иш. Тайинли кун. — Мажлис тайинли бир фикрга келмасдан тарқалди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Ишонса бўладиган, синашта, бурдли. Тайинли одам.

**ТАЙИНСИЗ** 1 Номаълум, нотайин, ноаниқ. Тайинсиз иш.

**2** Бурдсиз, ишониб бўлмайдиган, бетайин. Тайинсиз қишга сир айтма.

**ТАЙМ** [р<ингел] спорт. Футбол ўйинининг 45 минутли икки ярмидан ҳар бири. Биринчи тайм. Иккинчи тайм.

**ТАЙПОҚ** 1 Ялпоқ, бир оз ясироқ. Тайпоқ бош.

**2** Бесўнақай, беўхшов, ўхшовсиз. Тайпоқ пилла.

♦ **Тайпоқ оёқ** таги, қағзи текис оёқ ва оёғи шундай одам.

**ТАЙСАЛЛАМОҚ** 1 Кўрқинқирамоқ, ҳадиксирамоқ. Сиз томонда анови..

қўчқорлар кўрқинмадими? — тайсаллаб сўради Сувоножон. С. Анорбоев. Оқсой. | Кўрқиб, хурқиб ўзини орқага тортмоқ. Жонивор [от] бир-икки қамчидан кейин ҳам олдинга жилиши ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**2** Орқага судрамоқ, чўзмоқ, кечиктирмоқ, галга солмоқ. Қулоқларнинг гапига кирган баъзи бировларимиз уч-тўрт йил нима бўларкин, деб якка рўзгор бўлиб тайсаллаб юрдик. Й. Шамшаров, Инсон қалби қуёшдан ёруғ.

**ТАЙСАЛЛАНМОҚ** тайсалламоқ фл. ўзл. н.

**ТАЙСАЛМОҚ** айн. тайсалламоқ 1. Хизматчилар ранглари қув ёниб, чет-четга тайсалдилар. Ойбек, Нур қидириб.

**ТАЙФИНЛАМОҚ** с. т. Такфинламоқ, кафанламоқ.

**ТАЙФУН** [р<ингел] геогр. Жануби-ғарбий Осиёда ва Тинч океаннинг ғарбий қисмида бўлиб турадиган ҳалокатли шамол; тўфон. Тайфун келмалар учун хавфли бўлиб, кўпинча ороларда ва материк соҳилида катта вайронгарчилик келтиради. «География».

**ТАК** 1 тақл. с. Чилдирма, ноғора каби нарсаларни чертганда, чўп билан урганда чиқадиган товуш ҳақида. Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**2 от** Ноғоранинг жаранглироқ овоз берадигани; тақ, тум.

**3 унд.** с. Отни тўхтатиш учун ишлатиладиган ундалма. «Так», деди-ю «чувҳа» деди, жўнади. Қоражон ўз йўлидан қолмади. «Алпомиш».

**ТАКА** Эчкининг эркаги. Тоғ такаси тек турса, оч қолади. Мақол.

♦ **Ўзини ака, эчкисини така** деб тилёғламалик билан. [Сифатбуви:] Нуриллахон эшон деганингиз ўткир азаймхон экан, дуоларни ёдирғунча нақ ўзини ака, эчкисини така деб, ўлиб бўлдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Така туркман туркман** қабилаларидан бири.

**ТАКАББУР** [а] Ўзини катта олувчи, кеккайган, гердаган; мутакаббир, димоғдор. Такаббур одам. — Салимбойвачча, яхши ва юришли бўлса ҳам, кўрмисизроқ бир от қолгани учун аччиқланиб, бир-биридан такаббур, бир-биридан кеккайган бойваччаларнинг олдида бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашга қарор қилар, дам яна айнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАКАББУРЛАНМОҚ** Ўзини катта олмақ, киборламоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ. Такаббурланиш ақлли одамнинг иши эмас.

**ТАКАББУРЛИК** 1 такаббур с. белги оти. Такаббурлик билан гапирмоқ.

**2** Такаббур одамларга хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. Бизда сансалорлик, такаббурлик, муғомбирчилик, кибри ҳавога берилиш деган нарсалар

бўлмайди. М. Исмоилов, Икки қиз хикояси.

**ТАКАББУРОНА** [a+f-m] *фш* Такаббурлик билан, кибрланиб, гердаийиб, кеккайиб. *Такаббурона* гаплаганиши.

**ТАКАВОР** Такасимонов, така каби чақдон, чолқир. || *Ботир экан, кўнелида йўқ губори, Чолидан чарчамас ўз такавори.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ТАКАЛЛУМ** [a] *кт.* Сухбат, гаплашиш; сўзлаш. *Такаллум қилмоқ.* Такаллум айламоқ. — *Хушсухан, ширин такаллумким латофат баҳрида, Донатона тишлари дурдона гавҳардақина.* Муқимий.

**ТАКАЛЛУФ** [a] *Хурмат-эҳтиром* ва эъзоз-икром билан қилинган муомала, мулозамат. *Такаллуф билан қариши олмақ.* *Такаллуф қилмоқ* (кўрсатмоқ). — *Мен сизнинг кўрпачангизда кўп ўлтирганман, энди менга ортиқча такаллуфнингизнинг ҳождати йўқ.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Қиз ортиқ такаллуф қилиб туролмади, тўғри эшикни очиб ичкарига кирди, ўзини Пўлатжонга қараб отди.* Ойдин, Асл ёр. *Хола меҳмонларга такаллуф кўрсатиб, орасида Миробидни ҳам чақиб оларди.* В. Ғофуров, Вафодор.

**ТАКАЛЛУФЛИ** Такаллуфни ўрнига қўювчи; сертакаллуф. *Такаллуфли мезбон.* | Такаллуф ифодаловчи. || [Қоплоннинг] ваҳший сарғиш кўзлари унга беомон тикилган. *Нигора кўрққанидан такаллуфли жилмайди.* Қоплон, Қоплон, ахир биз сен билан танишимиз-ку! С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАКАЛЛУФОТ** [a] *эск. кт.* Такаллуф; такаллуфлар. *Нозик муомала.. ва такаллуфотлар пардаси остида.. хиёнатлар сезд.* Ойбек, Навоий.

**ТАКАЛЛУФСИЗ** Тортинмасдан, такаллуф кутмасдан; бетакаллуф. [Мақсад:] Бундан кейин ҳам менга кечаги Анвар каби такаллуфсиз муомалада бўлишларингиз ва хурматлар билан мени ранжитмасликларингиздир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу такаллуфсиз совчилик ила умр савдоси битган ҳисобланди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАКАЛЛУФСИЗЛИК** 1 такаллуфсиз с. мавҳ. *от.*

2 Такаллуфсиз қилинган иш, ҳаракат, муомала. *Хўжайин, одатдагича такаллуфсизлик билан деди у,* — бу кун бир талай иш қилдик. *Қайтанангизнидан келган йигит жуда яхши ишлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАКА-ПУКА** Чўчиш, кўрқиш, ваҳимага тушиш ҳолати. *Бироздан сўнг Шокосим отларни тўхташиб, йўлчага қичқирди:* — *Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап.. кўзларинг така-пука.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ҳавонинг ёғмай қолишидан ғаллакорларнинг юраши така-пука бўлиб, ҳамманинг кўзи осмонга тикилган эди.* Н. Сафаров, Дон. *Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафқашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари*

*ичига тушиб кетди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТАКАСАЛТАНГ** Ҳар қандай ғам-ташвишдан ҳоли, иш ёқмас, дангаса одам; танбал, текинтомоқ. *Бир мақсади йўқ, мужмалу миждов такасалтанг,* *Иш бўлса чўчиб, кўрқадди ялқов такасалтанг.* Ҳабибий.

**ТАКАСОКОЛ** *айн. эчкисоқол.*  
**ТАКА-ТАКА:** *така-така қилмоқ* ағдар-гўнтар, ағлов-далғов қилиб одамларнинг тинчини бузмоқ. *Тоғларни така-така қилиб юрган унинг [Абдукарим темирчининг] божаси бўлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТАКА-ТУМ** *тақл. с.* Ногора товуши ҳақида. *Том бошида карнайлар наъра тортиб, ногоралар така-тумга олиб, бойнинг «шуҳратини» бутун шаҳарга ёймоқда эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТАКБАС** [a]: *такбас қилмоқ* сархонага тамаки солмоқ, тамаки босмоқ. [Хўрандаларнинг] ишида такаба янги келган касиббачалар ҳам бор эди. *Булар солма ош қилиб, бир чилим, ярим чилим такбас қилиб кетувчи ёш-ялангар эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ТАКБИР** [a] *дин.* «Оллоху акбар» иборасини тилга олиш. *Хатиб домла.. оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг пешини тушириб, такбир учун қўл кўтаради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Самад бўқоқ индамай четга бурилиб кетди.* Шукур сўфи шом намози учун такбир тушира бошлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.  
**ТАКДҶИ** [ф-т], *такдҶи дўппи* Гулдор дўппининг бир тури, чамандагул дўппи.

**ТАКИЛЛАМОҚ** «Так», «так» овоз чиқармоқ. *Оёқдан зах ўтиб, тиш тақиллай бошлади.* Т. Алимов, Хиргойи. *Қаердадир тўғлар шошилмасдан, вазмин гўмбурлайди, ора-сира пулемётлар асабий тақиллаб қўяди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ **Томоғи тақиллаб айн.** *томоғи тақиллаб қ. томоқ.*

**ТАКИЛЛАТМОҚ** тақилламоқ *фл. орт. н.* *Лайлак тумшугини тақиллатяпти.* Тишини тақиллатмоқ.

**ТАКИР-ТУҚУР** *тақл. с.* Тақиллайдиган нарсалардан кетма-кет чиқадиган товушлар ҳақида. *Майна уйда ёлғиз ўтириб уй томини чертаётган ёмғирнинг тақир-туқурини тингларди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТАККАШ** [ф-т] 1 *айн. қоринбоғ.* 2 *айн. тағлама.*

**ТАКЛИФ** [a] 1 *Муҳокама* қилиш, амалга ошириш ёки қабул қилиш учун тақдим этилган фикр, масала, маслаҳат ва ш. к. *Таклиф киритмоқ.* *Кўпчиликнинг таклифи билан қарор қабул қилмоқ.* — *Лаълихон колхозга раис бўлсин, деган таклиф овозга қўйилганда ҳамма бир қўлини кўтарса, Бодом хола икки қўлини баб-баравар кўтарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Отабек совуққина қилиб жавоб берди:* — *Қар эмасман, лекин сизнинг*

*бу таклифингиз олдида ҳам қар, ҳам кўрман.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *Ташриф* буюриш, қадам ранжиди қилиш ҳақидаги илтимос, айтив, чаққириқ. *Таклиф билети.* — *Раҳмат, Олимжон ака. Мен уйга бораёй,* — *Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Наби ака мўйсафидни ичкарига таклиф қилди.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

3 *эс.* Товарларнинг бозорга тақдим этилиши. *Талаб ва таклиф.*

**ТАКЛИФНОМА** [a+f-m] *Мажлис,* тўй ва ш. к.га таклиф этиб ёзилган хат; чақирув қоғози. *Йигилчи қатнашчиларига таклифнома юбормоқ.* — *Тўйга одамларни хат орқали чақиртирмоқчи бўлиб, таклифномалар ёздирди.* «Латифалар».

**ТАКМИЛ** [a] *кт.* Тўлдириш, камолга етказиш. *Такмил этмоқ* тўлдириш, камолга етказмоқ, тақомиллаштириш, *Такмил топмоқ* мукаммал бўлмоқ, камолга етмоқ, тақомиллашмоқ.

**ТАКМИЛЛАМОҚ** 1 Камолга етказмоқ, мукаммаллаштириш, тақомиллаштириш; тўлдириш. *Китобни такмиллаб, иккинчи марта нашр этди.*

2 *Бутламоқ,* мукаммаллашмоқ. *Уй жиҳозларини такмиллаб олмақ.*

**ТАКМИЛЛАНМОҚ** тақмилламоқ *фл. мажҳ. н.* *Такмилланган китоб.*

**ТАКМИЛЛАТМОҚ** тақмилламоқ *фл. орт. н.*

**ТАКОМИЛ** [a] 1 *Ривожланиш,* камол топиш. *Тадрижий тақомил.* — *Шоир [Ҳамид Олимжон] ижодий тақомилининг ўзига хос даврлари бор.* С. Азимов, Атоқли ўзбек совет шоири.

2 *Мукаммал,* камолга етган ҳолат; камолот. *Ҳа, Нигора бекам-кўст гўзал.* *У табиат гўзаллигининг тақомили, инсон латофатининг айнаи мужассами эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сен она! Сен битмас ҳаёт бўлоғи. Ҳаётни яратган муҳтарам оми.* *Улуғ келажакнинг ёш ниҳоллари Сендан тармоқ эзиб топар тақомил.* Зулфия.

**ТАКОМИЛЛАМОҚ** *айн.* тақмилламоқ 1.

**ТАКОМИЛЛАНМОҚ** тақомилламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* *Эмбрионнинг бошланғич тақомилланиши даврида марказий нерв системаси олдинги уч кенгайган трубка [найча] кўринишида бўлади.* «Анатомия».

**ТАКОМИЛЛАТМОҚ** тақомилламоқ *фл. орт. н.*

**ТАКОМИЛЛАШМОҚ** Тақмил топмоқ, мукаммаллашмоқ. [Даминжон:] *Ҳа, бўлмасам-чи! Машина деган доим ўзгариб, тақомиллашиб туради.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚ** тақомиллаштириш *фл. мажҳ. н.* *Фан ва техника тобора тақомиллаштирилмоқда.*

**ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚ** тақомиллашмоқ *фл. орт. н.* *Иш методларини тақомиллаштириш.* — *Сапёрлар ҳужум жаңглари давомида ўз ихтисосли-*

рини такомиллаштирдилар. Н. Сафаров, Тилсимчилар.

**ТАКОМИЛЛИК** *такомил с. белги оти. Юксак такомиллик. Такомиллик даражаси.*

**ТАКРОР** [а] 1 айн. қайтарик 1. *Текстдаги такрорлар.*

2 *реш* Иккинчи ёки кўп марта; яна, қайта-қайта. *Такрор айтмоқ. Такрор огоҳлантирмоқ. Дарсларни такрор қилмоқ. Дехқон бўлсанг шудгор қил, мулла бўлсанг такрор қил. Мақол. — Чол такрор сўрагач, у жавоб берди: — Тошкентда иш топсам, балки қоларман. Ойбек, Кутлуғ қон.*

**ТАКРОРАН** [а] *реш* Иккинчи ёки кўп марта; яна, қайтадан, бошқатдан. — *Душман вақтинча тантана қилмоқда, — деди такроран Чернецов. И. Рахим, Чин муҳаббат.*

**ТАКРОРИЙ** [а] *Такрор қилинадиган, такрор бажариладиган, такрор ланадиган. Такрорий кўрт боқши (қ. х.).* | *Такрорлаш* учун белгиланган. *Такрорий курс.*

◆ **Такрорий феъл грам.** такрорланадиган ҳаракатни ифодаловчи феъл, мас. *тепкиламоқ, тортқиламоқ.*

**ТАКРОРЛАМОҚ** *Иккинчи ёки кўп марта такрор қилмоқ, қайтармоқ; қайталамоқ. Дарсни такрорламоқ. — Йўлчи «пўшт, пўшт»ни минг марта такрорлаб, бозордан чиқди. Ойбек, Кутлуғ қон. Табелчи ҳам, худди жўрттага қилгандай, унинг [Сидиқжоннинг] номини ё тутулиб, ёки чатоқ ўқиб, яна такрорлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ТАКРОРЛАНМОҚ** *такрорламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Арава кўчадан бурилгунча — «яхши қолинг, яхши боринг, салом айтинг» сўзлари такрорланиб турди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Қодир:] Ўртоқ Қомилов, сўз бераман, бу хато бундан кейин сира ҳам такрорланмайди. Уйғун, Навбахор.*

**ТАКРОРЛАТМОҚ** *такрорламоқ фл. орт. н. Дарсларини такрорлатмоқ.*

**ТАКСА** [р<лат] *Товарларга, меҳнат ҳақи, хизмат ҳақи ва ш. к.га қўйилган қатъий баҳо. Такса пичмоқ (ёки кўймоқ) қатъий баҳо, нарх белгилаб қўймоқ.*

**ТАКСИ** [р<фр] *Киракаш енгил автомобиль ёки юк автомобили. Енгил такси. Юк ташувчи такси. Уйга таксида қайтмоқ.*

**ТАКСИЧИ** *Такси ҳайдовчи шофёр.*

**ТАКСОМЕТР** [р<лат+грек] *Такси автомобилнинг қанча йўл босганигини ва қанча ҳақ тўлаш кераклигини кўрсатувчи счётчи.*

**ТАКСОМОТОР** [р<лат] *айн. такси. Таксомотор парк.*

**ТАКТ** [р<нем] 1 *Музыкада вазн бирлиги: музыка асарининг баравар вақт давом этадиган ҳар бир бўлаги. — Ҳовлидаги бир туп атиреул ҳам шу қўшиқнинг тактига тушиб аста тебранмоқда... — деди қиз. Ж. Абдулахонов, Тонг ёришган соҳилда.*

2 *тех.* Бирор механизм иш циклининг бир бўлаги.

**ТАКТАК** *Арпанинг бир тури. Ойша хола ҳам тандирга янтоқ қалаб, тактак ундан нон ёпишга уринаётганини ўйлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ТАК-ТАК** *так 1 с. такр. Мулла Мамасолиҳ тилини танглайига так-так уриб бир-икки одим юрди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.*

◆ **Так-такка турмайдиган** сўзга қулоқ солмайдиган, гапга кирмайдиган (асосан шўх бола ҳақида).

**ТАКТИК** [р] *Тактикани яхши биладиган, тактикага моҳир. Улуғ страгег, улуғ тактик ва ташкилотчи бўлган В. И. Ленин революцион қўзғолон бошланадиган кунни аниқ белгилаб бера олди. «Қ. Ўзбекистон», 1973, 17 январь.*

**ТАКТИК** [р тактический] *Тактикага оид, тактика принципларига ва қоидаларига мос; тактикага асосланган, тактикадан келиб чиқадиган. Тактик қоида. Тактик разведка. — Сўл народникларнинг назарий ожизлигига, табиий равишда, тактик ожизлик ва огмачиликлар ҳам қўйилмоқда. В. И. Ленин, «Марксизм ва ликвидаторлик» номли тўпламга хулоса.*

**ТАКТИКА** [р<грек] 1 *Жангга тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш санъати. | Жанг олиб бориш ҳақидаги фан. Тактика курси. — Чернецовнинг бу ишини «ортиқча қайсарлик» деб тушунди ва кечагина шинель кийган Чернецов ҳарбийда тиши чиқиб, ҳарбийда балогатга етган капитанга тактикадан дарс бермоқчи, деб ўйлади. И. Рахим, Чин муҳаббат.*

2 *Қўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг конкрет шариоитига мос йўл ва воситалари, форма ва методлари. Пролетариатнинг революцион тактикаси. — Революция пайсайд бораётган шариоитда большевиклар ўз тактикасини ўзгартирди. «КПСС тарихи».*

**ТАКТИКАЛИ** 1 *Тактикани яхши биладиган, тактика билан иш қиладиган.*

**ТАКТИКАЛИ** 2 *с. т. Муомалани яхши биладиган; муомалали. Тактикали одам.*

**ТАКТИКАСИЗ** 1 *Тактикани яхши билмайдиган, тактика билан иш қилмайдиган.*

**ТАКТИКАСИЗ** 2 *с. т. Муомалани яхши билмайдиган; муомаласиз. Тактикасиз одам.*

**ТАКЦИН** [а] *Мурдани кафанлаш, кафанга ўраш.*

**ТАКЦИНЛАМОҚ** *Мурдани кафанламоқ, кафанлаб тобутга солмоқ.*

**ТАҚА** 1 [а]: *тақя қилмоқ* суянмоқ, таянмоқ. *Унинг [Азизбекнинг] қаторидаги иккинчи киши бошига катта сала ла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошига тақя қилган... эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ТАҚА** 2 [а] 1 *Одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой. Тақяда*

*ўтириб энди битта чой ичиб бўлга эдим, қотмагина бир йиғит келиб «Қурбон ота сиз бўласизми?» деди А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 *тар.* Банги ва кўкнорилар тўп ланадиган жой; кўкнорихона. *Ун иш ичида у [Мамарайим] кирмаган кўчи қолмади. Наякини ўранди, қора дори эди, тақяларга кириб кўкнорчи ичди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ТАҚЯГОҲ** [а+ф+т] *эск. кт. Суянчик, мададкор, ҳомий. Бу мажбуриятни ўзимга эътиқод қилганимдач эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга тақягоҳ деб шондонимдайдир. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ТАҚЯҲОНА** [а+ф+т] *айн. тақя 11. ТАЛАБ [а] 1 *Қатъият билан қилинган сўров, илтимос. — Меничи, мени соғинмадингми? — деди Ойқиз жиддий равишда. У бу сўзи билан ҳам таъна, ҳам талаб маъносини билдирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.**

2 *Бажарилгани лозим бўлган қоида, шарт. Стандарт талаблари. Ўқуш кўнт-райтат талаб қиладди. — Бироқ жангнинг энг масъулиятли пайтида устав талабини бажариш имкони бўлмади. И. Рахим, Чин муҳаббат.*

3 *Эҳтиёж, истак. Унинг талаби катти. Маданий молларга талаб кучаймоқда. — Адабиёт эди улуғ талабим, Сўз дурин тердим очилиди лабим. Ҳабибий. Одамхўр бек, қалби даҳшат Мирғазаб! Майдонга чиқ, бўлган эсанг жанг талаб. М. Мухамедов. Иссиқ кўёш остида, гиёҳсиз чўл бағрида кетмон одатдагидан кўпроқ овқат талаб қиладди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мен бутун хотин-қизлар номидан Зумраднинг қотилларига ўлим жазоси берилишини талаб қиламан. С. Зуннунова, Гулхан.*

4 *эск. кт. айн. мақсад 1. Талаб йўлида.*

5 *сфт* *Отларга бирикиб «ўша отдан англашилган нарсани истайдиган, талаб қиладиган, талабгор» каби маънолар билдирувчи қўшма сифат ясаиди. Изоҳталаб ибора. Ҳақталаб киши. Чопиқталаб гўзалар. — Ўқтамнинг қовжироқ лаблари чойталаб эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Талаб аҳли талаб қилувчилар, толиблар, талабгорлар. Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин, Не бахт, Раъно харидоринг талаб аҳлининг «мирзоси». А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ТАЛАБА** [а] *Ўқувчи; студент. Мадраса талабалари «аъло», «авсат» ва «адно» номи билан уч гуруҳга бўлинган эди. М. Мухаммаджанов, Турмуш уринишлари.*

**ТАЛАБГОР** [а+ф+т] 1 *Талаб қилувчи, истовчи, хоҳловчи, толиб. Қамтаринлик бирла кўрсат ўзни хизмат кўрсатиб, Тилдао дўлда ҳамма бўлсин талабгорнинг сенинг. Ҳабибий. Раис музокара ва таклиф учун яна талабгор сўрайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 *Ўз хоҳиши, истаги билан бирор вазифа ёки юмушни бажаришга оти-*

либ чиққан киши; кўнгилли. *Аҳмад ҳам ўрнидан турди, Қўйғизни хиёла бўйлаштириб боғлади. Ҳа деганда [бел олишишга] талабзор чиқармади. Ўртада бир пас серрайиб турди. Х. Нурий, Лочин боляси лочин.*

3 *эск. айн. даввогар 2.*

**ТАЛАБНОМА** [a+ф+т] Бирор нарсани талаб қилиб ёзилган хат, хужжат. *Талабнома ёзмоқ. Талабнома билан мол олмақ.*

**ТАЛАБЧАН** 1 Ўздан ёки бошқалардан кўп талаб қилувчи. *Талабчан раис.*

2 Юксак талаблар кўювчи, ҳар нарсанинг юксак даражада бўлишини талаб қилувчи. *Талабчан томошабин. — Мен болаларни севаман. Чунки улар пок, адолатли ва талабчан. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

**ТАЛАБЧАНЛИК** талабчан с. белги оти. *Талабчанлик кўрсатмоқ. — Машина командирини, кекса ҳарбий врач аёл, регуляторкачи қизнинг талабчанлигини ранжиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ТАЛАЙ** Анча, кўп, кўпгина. *Қудрат.. уч кун ичида талай хаёллар, воқеаларни бошдан кечирмади. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Домла талай вақтгача ухлай олмади. А. Қаҳҳор, Сароб. Бир талай жуда кўп. Олма, ўрик олчалар Тўжкан гулларин, Мевалари бир талай, Эжкан, бўйларин. З. Дийёр. Эртаси кунига мазбонлар бир талай меҳмон қақдиришган эди. А. Қаҳҳор, Мирзо.*

**ТАЛАМОҚ** 1 Зўрлик билан тортиб олмақ, шилмоқ, талон-тарож қилмоқ. [*Бир деҳқон:*] *Темир ака, биз нима билан деҳқончилик қиламиз? Бор-йўғимизни босмачилар талаб олиб кетган. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. | Товламачилик билан шилмоқ, олиб-юлғиб олмақ. Мўлтонини мулла эл талар. Мақол.*

2 Талашиб-тортишиб харид қилмоқ. *Янги китобни бирпасда талаб кетишиди.*

3 Ёпириб хужум қилмоқ, қопмоқ. *Сен бўйини аясанг, бўйи сени талайди. Мақол. — Ит хўп иштаҳа билан хурмоқчи ва таламоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, аммо шу иссиқдан ўзини уринтиргани эринди шекилли, орқасига қайтди, нарироққа бориб яна чўзилиб ётди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.*

4 Ёпирилиб чақмоқ. *Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди. Мақол. — Пашиша талади-а? — деди Пирнафас ака Полюнга. — Қаҳри бунча зўр-а! — деди юзига шарт-шарт уриб Полюн. Ж. Шарипов, Хоразм. | Ёпирилиб ёпишмоқ, ёпирилиб еб кетмоқ. *Пахса деворга чапланган қовун уругини ари талайди. С. Аҳмад, Уфқ. | Кўчма Қичитмоқ, чақмоқ. Жун пайпоқ оёғимни талаптин.**

5 *кўчма с. т.* Кўплашиб, ўртага олиб уришмоқ ёки бобиллаб уришиб бермоқ. *Кичкина бир қизчадан дакки*

*еган ҳалиги аёл Эргашовни талаб берди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. | 6 кўчма с. т.* Таталамоқ, тирнамоқ, гаш қилмоқ. [*Алишернинг*] *кўнглини шубҳа, ғазаб, пушаймон ҳислари талар эди. М. Осим, Зулмат ичра нур.*

**ТАЛАНМОҚ** таламоқ *фл. мажх. н.* Арига таланмоқ. — *Камбағал ва қосиблар Доим таланди. Ғайратий.*

**ТАЛАНТ** [р<ерек] 1 Катта қобилият, истеъдод. У [*Элмурод*] *Гулсумда зўр талант, зеҳн ва порлоқ истиқбол борлигига ишонди. П. Турсун, Уқитувчи. Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

2 Талантли, истеъдодли киши, катта истеъдодга эга бўлган одам. *Бизда яхши талантлар жуда кўп.*

**ТАЛАНТЛИ** Катта талантга эга бўлган; истеъдодли. *Талантли бола. Талантли созанда. — Халқ оғзаки ижоди асарлари маълум кишилар, талантли халқ кўшиқчилари ва шоирлари томонидан яратилган. «Ватан адабиёти».*

**ТАЛАНТСИЗ** Талантли йўқ; истеъдодсиз.

**ТАЛА-ТАЛА** Ҳамма ёқдан тортиқлаб талаш, ўзлаштириш; талон-тарож, торт-торт. *Тала-тала бўлмоқ. Тала-тала қилмоқ.*

**ТАЛАТИЛМОҚ** талатмоқ *фл. мажх. н.*

**ТАЛАТМОҚ** таламоқ! — 5 *фл. орт. н.* Арига талатмоқ. — *Хазина-пазинанинги йлжа қилиб сизларга талатман. «Гўрўғли».*

**ТАЛАФ** [a] Йўқ бўлиш, ҳалок, нобуд бўлиш. *Арзимаган сабаблар билан талаф бўлган жонларни ҳамиша кўз олдинда тут!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАЛАФОТ** [a] 1 Урушда берилган қурбонлар; йўқотиқлар. *Душман катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.*

2 Йўқотиш, ажраб қолиш; зарар. **ТАЛАФФУЗ** [a] Товуш ёки сўзнинг айтилиши, айтилиш хусусияти. *Унли товушларнинг талаффузи. Сўзни тўғри талаффуз қилиш. — Зеркиб қолмадингизми? — сўради у [Мирслав] рус тилини ўзига хос чиройли талаффуз этиб. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? — «Олин-олин» эмас, «олинг-олинг» — «берите, кушайте» деган сўз, — деди Элмурод. — Ҳа, талаффузи қийин экан. Майли, ўрганиш мумкин. Иш қилиб менга ўзбекча ўргатасиз, — деди Михайлов. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ТАЛАШ** 1 таламоқ 1—3,5 *фл. иш оти. Талаш қилмоқ. — Кейинги йилларда капсанчилар ерни тайшлаб кета берган экан, бойлар ерларни арзон-арзон ижарага беришиди, шунақа арзон беришбдики, ер талаш бўлиб кетибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Жанжал, низо. *Ўзаро талашлар, фитналар, фасод — Меҳнатни, савдо-*

*ни, кўшиқни эди. Шайхзода. Ушбу дорга осилувчи бетавфиқ, Авбошиларга, осийларга бўлиб бои. Халқ ичига солди нифок ва талаш. И. Султон, Номаълум киши.*

3 Тортишув; баҳс, мунозара. *Яна ўртада хомушлик ҳужм суриб, Ҳасанали ишни тузукроқ очини ва ё шу куйи қолдириб кета бериш талашиди эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қай хунарни танлашга, Болалар қотди боши. Ҳаммасини ўргатсанк, Қайнар фикр талашини. Қ. Мухаммадий.*

◆ **Тонг талаш** тонг отиш. *Тонг талаш пайт.*

**ТАЛАШИЛМОҚ** талашмоқ *фл. мажх. н.* Тортишиб талашилган масала ниҳоят ҳал бўлди.

**ТАЛАШМОҚ** 1 таламоқ 1—3,5 *фл. бирг. н.*

2 Бирор нарсани бошқадан тортиб олиш учун жанжаллашмоқ, даяволашмоқ, довлашмоқ, уришмоқ. *Уришиб-талашиб қолган ака-укалар сая ўтмасданок, алоқ-чалоқ бўлиб кетишарди. О. Ёқубов, Парза.*

3 Бирор нарсаси учун жанжаллашмоқ, низолашмоқ, уришмоқ. *Нега подшоҳлар урушадилар? Ер-сув талашиб урушадилар!* П. Турсун, Уқитувчи.

4 Баҳслашмоқ, тортишмоқ. *Масала талашмоқ. Баҳс талашмоқ. — Деворга орқасини бериб ёнма-ён турган ўрта ёшдаги икки аёл нима ҳақиқадодир талашмоқди эдилар. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.*

◆ **Бўй талашмоқ** бўйи бараварлашмоқ. *Эрта-индин маккажўхорингиз ўзингиз билан бўй талашиб қолади. С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. Бир қориндан талашиб тушган қ. қорин 7. Жон талашмоқ 1) жон олиб, жон бермоқ; қаттиқ курашмоқ. Олисда қонли уруш бормоқда, шаҳарлар ёнмоқда, одамлар ёвуз душман билан жон олиб талашмоқда эдилар. С. Аҳмад, Уфқ; 2) ўлим талвасасига тушмоқ.*

**ТАЛАШТИРМОҚ** талашмоқ *фл. орт. н.*

**ТАЛАШ-ТОРТИШ** Қаттиқ баҳс, мунозара, тортишув. *Кўп талаш-тортишдан сўнг, у йигирма процентдан эмас, ўн уч процентдан беришга рози бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ТАЛАШУВ** 1 талашмоқ *фл. иш оти.*

2 Жанжал, тортишув. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноксиз: у, эликбоши бўлгани учун, ҳамма тўй, маъракаларга бурнини тикқади, маҳалланинг одамлари орасида юз берган ҳар хил жанжал ва талашувларга боши билан кириб кетади. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ТАЛБИС** [a] *эск. кт.* 1 Сохта, қалбаки, ёлгон. *Талбис васиқа.*

2 Айёрлик; хийла, найранг. *Шу кунгача айтган ёлгонларинг, қилган талбисларинг, еган ҳаром-ҳарошларинг бас. Айний, Қуллар.*

**ТАЛВАСА** [a] Қаттиқ безовталик, зўр руҳий ғалаён, изтироб, қаттиқ ҳаяжон. *Зайнаб турар, қора кўзидан Жовдирган ёши тирқарар. Қони қо-*

чиб оплоқ юзидан Талвасада кўкраги урар. Х. Олимжон. Тўқсонов гўё бир нарса чаққандай талвасада тўлғанди, кўзларини олайтириб Элмуроғга ўқрайди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Жон талвасаси** 1) ўлим олдидаги безовталик, жон талашини. Уларнинг учи [учтаси] ўлган, бири эса, ҳали жон талвасасида эди. О. Отабеков, Кам бўлмагур, ўғил; 2) қаттиқ қўрқув, хаяжон. У [эркак] аёлнинг биллагидан ушлади. Аёл жон талвасасида: «войдод, одам борми»,— деб қичқириб юборди. Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

**ТАЛВАСАЛАМОҚ** Талвасага тушмоқ, талвасада қолмоқ, қаттиқ хаяжонланмоқ.

**ТАЛИНКА** [р тарелка] с. т. Тарелка.

**ТАЛИТИН** Чармнинг бир тури. Шу тобда бошида қора чўғурма, зенида узун ипак тўн, оёғига талитиндан маҳси кийган Аваз ўрнидан туриб... шеър ўқий бошлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАЛЛАМОҚ** с. т. Танламоқ.  
**ТАЛЛИЙ** [р <ерек] Химиявий элемент, кўкиш юмшоқ металл.

**ТАЛЛОН** 1 Ун икки ёшли от.  
2 кўча Жуда қари, мункиллаган чол. Буни ҳайданг, кўя кўрманг! Бу чатоқ бир шумки, Қошу мижжангни териб, Кўсаю таллон қилади. Ҳамза.

**ТАЛМОВСИРАМОҚ** 1 Довдирамоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ.— Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Кампир уйғониб, талмовсираб пойма-пой саволлар берди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 ўзини тушунмаганга, овсарликка солмоқ.— Шундай денг, кўнгли бошқа денг? — деб талмовсираб сўради Элмурод. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТАЛМУД** [р <қадими яҳудийча] Яҳудийларнинг қадимги диний китоблар тафсиридан иборат қонун-қондалар мажмуи, «муқаддас» китоби.

**ТАЛМУДЧИ** Масаланинг моҳиятини тушунмасдан, уни кўр-кўрона, юзаки ёдлаб олган киши; қироатхон, харфхўр.

**ТАЛМУДЧИЛИК** Қироатхонларча фикр юритиш; харфхўрлик.

**ТАЛОВ** таламоқ 1—3,5 фл. иш оти.— Бориб элатига талов соларман. Қўлга олсам мен оримни оларман. «Зулфизар билан Авазхон».

**ТАЛОВЧИ** Талаш билан шуғулланувчи; талончи, босқинчи. Юбормоқ кунда-кунда элчи-совчи, Деманг элчи — хиёнатчи, таловчи. Ҳабибий.

**ТАЛОВЧИЛИК** таловчи с. мавҳ. от.

**ТАЛОН** 1 Талаш, талов. Талон қилмоқ. Агар биронтамининг қуроғимиз узилса, чувоас кўтарамиз. Айниқса узилган қуроқ бошқа маҳалладан бўлса мен ва ўртоқларим у тушар-тушмас талашиб-тортишиб, талон қилиб олишга шошиламиз. Ойбек, Бо-

лалик. Юрт эгаси Қосим отам ўлдими? Отам ўлиб, юрти талон бўлдими? — «Ширин билан Шакар».

**ТАЛОН** II [р <фр] 1 Бирор нарсани олиш ҳуқуқини берадиган контрол варақча. Бензин талони.

2 Ҳужжатнинг (чек, ордер ва ш. к.) дафтarda қолдирилмаган дубликати.

3 Акция, аккредитив каби қимматбаҳо, қоғозларнинг асосий қисми.

**ТАЛОН-ТАРОЖ** Ҳамма ёқдан тортиқлаб талаш, ўзлаштириш, тала-тала, торт-торт.— Ҳамма, уни хаёлпарастликда, сувдан ҳолва пиширишда, давлат мулкани талон-тарож қилишда айблади.— деди Раҳимов. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**ТАЛОНЧИ** Талон қилувчи, таловчи, босқинчи. Қим яхши кўради у талончи итларни? И. Султон, Бургутнинг парвози. Ваҳиш талончилардан қаттиқ нафратланган Юсуфжон.. фурсат пойлаб улардан ўч олишга интиларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ТАЛОҚ** I [а] Никоҳни бузини, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан айтиладиган сўз. Уч талоқ уч марта талоқ (бу ҳолда шариаат қондасига кўра, хотин то бошқа эрга никоҳланиб яна ажралмагунча ўз эри билан ярашуви мумкин эмас). Уста Абдураҳман қизларни кўп уради. Бир кунги Нисо буви: «Урсангиз ўша дўқонингизга олиб бориб урин» деганида, уста: «Ҳа, жонинг ачийдим, бундан кейин мен ураётганда кулиб турмасанг уч талоқсан.» — деб юборди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. Талоқ хат(и) қ, хат 9. Хотин талоқ сўқ. хотини талоқ қилинган.

**ТАЛОҚ** II айн. қоражигар 1.

**ТАЛОҚНОМА** [а-ф-т] Талоқ қилинганлик тўғрисида эр томонидан ёзилган мактуб. Бу ишларингиз фойдасиз чиққач, исмидан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айириб туришга муваффақ бўлдингиз, бу борада гуноҳсиз бир ишгитини ҳам ўлдирдингиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАЛОҚСИЗ** Талоқ қилинмаган, талоқ хати берилмаган ёки олинмаган (қ. талоқ I). «Қишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бугун эрга бер!» — деди [Отабек] ва талбаларча нима учундир кулиб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАЛОҚХАТ** (тўғриси талоқ хат) қ. хат 9.

**ТАЛПАНГЛАМОҚ** Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ.

**ТАЛПИНМОҚ** 1 Қанот қоқиб олдинга интилмоқ, учмоқ. Буқун байрам — биринчи сентябрдир. Ёш юраклар каптар каби талпинар. Ғ. Ғулом. | Қўлларини қанот каби қоқиб, тўлғаниб интилмоқ. Дадасига талпиниб турган Қимсанни Зебинисо эрга узатди-да, ўзи араванинг устида тикка туриб, ҳанг-манг бўлиб тўрт томонга қарай бошлади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 кўча Умуман интилмоқ, интилиб қўзғалиб қўймоқ. Адолат бир талпин-

ди-да, акасининг рўпарасида тўхтади. А. Мухтор, Туғилиш. Куйёшга талпини-нади Қўчатлар шўх куртаклаб, Те-варакка шох отар Новдалари ўйноқлаб. Қ. Муҳаммадий. Кўнгли (ёки юраги, қалби) талинди юраги орзиқди; юраги тўлгани тушди.— Саломат бўлсин,— Шербекнинг қалби талпиниб кетди. Кўз ўнгида оқ ҳарир кўйлақда Нигора пайдо бўлди. С. Анорбоев, Оқсой. Кўнгли дарров дўстига талпинди. Ўзи йунақа бўлади: юрагинг қайғуга тўлган чоқда ҳам, шодликка тўлган чоқда ҳам .. энг яқин кўрган жонанжон дўстинини қўйсиз қолсан. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТАЛПИНТИРМОҚ** талпинмоқ фл. орт. н. Хуморхон нозик бармоғини лабига босди, кўзларида одамнинг кўнглини талпинтирадиган нозли кулги яна пайдо бўлди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ТАЛТАЙИШМОҚ** талтаймоқ фл. бирг. н.

**ТАЛТАЙМОҚ** 1 Мағрурланиб ўзини йўқотмоқ, кеккаймоқ. Қамтар бўл, талтайма, кеккаймагил тик! Дўст учун заҳар ют, ширин жонни тик! Ё. Мирзо. Раис ҳар қачон колхоз га-лабалари тўғрисида талтайиб гапирганда, Ойқиз ич-ичидан хурсанд бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Мурзиннинг талтайиб, кулгидан чўғ бўлиб ёнган юзи муздади, қотиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Оёқ-қўлларни ёзиб, ялнайиб ўтирмоқ; ётмоқ, ястанмоқ. Талтайиб ўтирмоқ. — Уктам тонг отандан сўнг қалин, юмшоқ, тўшакда талтайиб ётгиси келмади. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Сийлаган, ҳурмат-иззат қилган ёки эркалаган сари хаддан ошмоқ, суюлмоқ. Талтайиб ўсган бола. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи. Мақол.

**ТАЛТАЙТИРМОҚ** талтаймоқ фл. орт. н.— Қарғанинг ҳеч кераги йўқ,— деди Марҳамат ва тагин қаттиқ ботмасин, деб эҳтиётлик билан сўзлай кетди.— Лекин бунақа талтайитириш ҳам яхшимас-да. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТАЛТАНГЛАМОҚ** диал. Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ. Бу одам азбаройи семизликдан, юрса талтанглаб, гапирса узлуқсиз пишилар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТАЛҲ** [ф-т] Какра, тахир, аччиқ. Офтобим нур сочар порлаб Кремль авжиди, Шаҳду шакардан ширинроқ бўлди талх ошим менинг. Ҳабибий.

**ТАЛҲА** [ф-т] айн. какра 1.

**ТАЛЪАТ** [а] I эск. кт. Юз, чехра; қиёфа. Моҳ талъат ой юзли, гўзал. Нима десанг, хизматинда турайин Етиб муродимга ўйнаб кулайин. Тура келгин моҳ талъат кўрайин. «Ширин билан Шакар».

2 Талъат (эркаклар исми).

**ТАЛЪК** [р <нем] Оқ ё яшилга мойил қат-қат тузилган юмшоқ минерал (тех-



никада ва медицинада одатда порошок ҳолида ишлатилади). *Ўзбекистонда олтинсуғурт, фосфорит, тальк, дала шпати.. каби минерал хомашёлари ҳам бор.* М. Зокиров, Бебаҳо хазиналар.

**ТАЛҚИН** [а] 1 дин. Диний ваъз, таълим. [Шум бола:] *Биз аввал хонақоҳга кириб бордик. Қаландарбошии эшикдан.. талқин бошлаб кирди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. Шунинг учун ёлғиз ибодат, дуо, талқинлар кифоя қилмайди. Катъий ҳаракат керак! *Ҳаракат!* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Изох, шарҳ, тушунтириш. Дарёларнинг тўлқинларида, Халқнинг қўшиқ талқинларида, Бўрон бўлиб эди бу сўзлар, Кенг жаҳонни кезди бу сўзлар. Э. Раҳим. **Талқин қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) диний ваъз-насиҳат қилмоқ; 2) кўчма умуман панд-насиҳат ўқимоқ, тарғиб қилмоқ. *Рус бизни янги бир йўлга бошлади, Буни шоир Фурқат кўп олқийлади, Фурқат талқин этиб меҳру шонини. Тарангум айлади буюк суякни. Шайхзода;* 3) изохламоқ, шархламоқ, тушунтирмоқ. *Тракторчи Ашурмардоннинг бир кечада колхоздан ғойиб бўлиб қолишини ҳар ким ўзича талқин қиларди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 муз. Шашмақомда асосий куйнинг мустақил қисми. *Талқини баёт. Талқини наво.*

4 диал. Қўшиқ, ашула.

**ТАЛҚИНЧИ** 1 дин. Ваъз-насиҳат ўқувчи; вонз, ваъзгўй.

2 Талқин қилувчи, шарҳловчи.

3 диал. Қўшиқчи, ашулачи, хонанда.

**ТАМА** [а] (охирги а — чўшиқ) 1 Бировдан бир нарса кутиш, бировдан ўлжа олишга бўлган интилиш, хирс. *Қоронғи кулдада, бир парча эски пўстак устида чархини гувиллатиб ўтирган бу муштипар, ранепар хотиннинг тамадан, макру хийладан мусатффо, пок, бегубор қалби меҳру муҳаббат билан тепар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эшонларнинг ҳолидан, Сўз очма аҳволидан, Ҳамон тама шилари Ҳалойиқнинг молидан. Ҳамза. Али тажанг баъзи буюмларга тама билан қўл узатди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Умидворлик, умид, илнж. — Балки бегинизнинг тамалари хон қиздадир, — деди истеъзо билан Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тама қилмоқ** 1) бировдан бирор нарса кутмоқ, бировдан ўлжа олишга интилоқ, кўз тикмоқ. *Бир-бирларидан ҳеч нарса тама қилмай дўстлашишлари икковини ҳам чинакам бахтиёр қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Махдум бу ерда ўқийтган икки муллавачча учун Қорабулоқдаги вақфдан ҳам тама қилмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) умидвор бўлмоқ, умид қилмоқ; толиб бўлмоқ. *Шунча азамат йигит турганда, сен бола, посёлканинг олд қизига тама қилиб келсанг-а!* П. Қодиров, Қадрим.

**ТАМАГИР** [а+ф-т] Бировдан ўлжа олишга, тама қилишга ўрганган, тама қилувчи. *Тамагир одам. Тамагир бўлмоқ. Тамагир қилмоқ.* — *Солиҳ махдум хасис, тамагир, ҳар ҳолда.. уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайти.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Учинчи бир туркум одамлар борки, ҳатто уйига меҳмонга бориб қолсанг ҳам қўлингга қарайди. Бундай одамни тамагир, порахўр деявер.* Ё. Шукуров, Қасос. *У ўз жиянидан тамагир бўлгани учун эмас, балки уни чалғитмоқ ниятида келган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАМАГИРЛИК** тамагир с. белги оти. *Тамагирлик билан қарамоқ. Тамагирлик қилмоқ.* — *Кўп ўтмай Дарвеш бободек худодан ризқ тилаб ётиш, тамагирлик каби ярамас хулқлардан бошқа нарсани ўрганмаслигима кўзим этиб, Дарвеш бободан кўнглим совиди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**ТАМАДА** [р<сгузична] Ўтиришларда, зиёфатда ичкилик қўйиб тост айтувчи; соқий, косагул. *Маруся келиб ўтириши билан Ҳайдар сўз бошлади.— Мени тамада қилиб қўйишди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ТАМАДДИ** [а] Енгил-елни овқатлаиш. *Тамадди қилмоқ.* — *Қоринлар ҳам пиёз булиб кетди. Нон бўлганда тамадди қилиб олсак ёмон бўлмас эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

◆ **Бир тамадимиз ўтиб турибди** хар қалай тирикчилигимиз, кунимиз ўтиб турибди.

**ТАМАДДИЛАНМОҚ** Енгил-елни овқатламоқ, бир оз овқатлаиб олмоқ.

**ТАМАДДУН** [а] эск. кт. айн. маданият.

**ТАМАДДУНЛАШМОҚ** эск. кт. айн. маданиялашмоқ.

**ТАМАКИ** [ф-т] Йирик баргли ўтсимон ўсимлик. | Шу ўсимликдан қуритиб тайёрланган чекимлик. *Аччиқ тамаки. Кучсиз тамаки. Тамаки маҳсулоти. Тамаки чекмоқ.* — *Эмин унга тамаки халтасини узатди: — Хуморингни ёз, оинам, қўлбола тамаки.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАМАКИДОН** [ф-т] Тамаки солиб қўйиладиган идиш. *Тамакидондан тамаки олмоқ.*

**ТАМАКИЗОР** [ф-т] Тамаки экилган ер, майдон; тамаки плантацияси. *Колхоз тамакизорлари.*

**ТАМАКИКОР** [ф-т] Тамаки экувчи ва етиштирувчи деҳқон ёки хўжалик. *Колхоз тамакикорлари.* || *Тамакикор деҳқон. Тамакикор колхоз.*

**ТАМАКИКОРЛИК** Тамаки етиштириш, тамакчилик.

**ТАМАКИФУРУШ** [ф-т] Тамаки савдоси билан шуғулланувчи киши.

**ТАМАКИЧИ** 1 айн. тамакикор.

2 айн. тамакифуруш.

**ТАМАКИЧИЛИК** айн. тамакикорлик.

**ТАМАКИШУНОС** [ф-т] Тамакичилик мутахассиси.

**ТАМАКОР** [а+ф-т] кам қўлл. айн. тамагир. *Тамакор одам. Тамакор кўзлар.* || *Лутф ила кўнглимни василнега тамакор айлading.* Ойбек, Навоий.

**ТАМАЛ** [грек] эск. кт. Негиз, асос, пойдевор. *Тамал-солмоқ (қўймоқ).* — *Ҳақиқат тамалини кулатмоққа кўтарилаган қўлларни кесмоқ зарур.* Ойбек, Навоий. *Ҳар бир иншоотимиз келажакнинг кўрқидир, Бу кун қўйилмоқдадир эртанинг тамал тоши. Уйғун. Йигирманчи асрнинг наҳори эди, Рус халқи тақдирга қўярди тамал. Қудратнинг боғида толе ниҳоли Саодат япроғин ёзарди амал.* Ғ. Ғулом.

**ТАМАЛАНМОҚ** кам қўлл. Тама қилмоқ, умидвор бўлмоқ.

**ТАМАННО** [а] Ноз-ишвали ҳаракат, ноз, ишва, қарашма. *Ер таманноси.* — *[Машариф] битта папиросни қулоғига қистирган, иккинчиси лабида, олифтагарчиликка зоб бериб, таманно билан келарди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. **Таманно қилмоқ** (ёки этмоқ, айламоқ) 1) ноз-ишва, қарашма қилмоқ; 2) эск. истамоқ, тиламоқ, сўрамоқ. *Кўз нуриимизнинг дуои жонини субҳи шом.. таманно этмоқдамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) орзу қилмоқ. *Қайга мен бошим урай ҳам қайда ғавво айлайин, қайсибир лутфу қарамларни таманно айлайин.* С. Абдулла.

**ТАМАННОЛИ** Ноз-ишвали, қарашмали. *Таманноли нозанин. Таманноли кўзлар. Таманноли қилиқлар.*

**ТАМАЧИ** айн. тамагир. *Тамачи одам.*

**ТАМБА** Эшикни бекитиш учун орқасидан тиралган ёки тираладиган тахта, ёғоч ва ш. к. *Эшикка тамба қўймоқ.* — *Эшикни бекитдик, орқасига катта бир харсанени олиб келиб тамба қилдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ТАМБАЛ** [а] с. т. Танбал.

**ТАМБАЛАМОҚ** Тамба қўймоқ, тамба тираб бекитмоқ. *Дарвозани тамбаламоқ.* — *Матқовул бир вақтлар.. кечалари занжирни илиниб, тамбалаб қўйиладиган<sup>1</sup> эшиги ўрнида унгул оғзидай очилиб турган ердан лип этиб ичкари кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАМБАЛАНМОҚ** тамбаламоқ фл. мажҳ. н. Тамбаланган эшик. — *Майна қўлига ўқланган маузер ушлаганча, эҳтиёткорлик билан, дарвозадан ўтди.. ичкари ҳовлининг эшиги берк. Бориб итариб кўрди — тамбаланган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТАМБУР** [р<фр] Темир йўл вагонининг қираверишидаги дахлизчасимон бўлмаси. *Сергей алоҳида вагонга қўйимча соқчилар қўйди. Ўзи ҳам штаб-вагондан шу вагон тамбурига кўчиб ўтди.* Х. Ғулом, Машъал.

**ТАМИЗ** [ф-т] 1 Ақл, идрок. *Аҳли тамиз ақли, тамизли кишилар. Хомуш ўлтир, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра.* Муаззам.

2 Ўз билиғи, ақли, фаросати билан

тегишлича иш тутиш қобилияти; фаҳм, фаросат. *Тамизи йўқ одам.*

**ТАМИЗЛИ** 1 Ақлли, идрокли.

2 Ўз билиги, ақли, фаросати билан тегишлича иш тутувчи; фаҳмли, фаросатли. *Тамизли бола.* — *Ҳали ҳеч ким кўрмаган бўлса ҳам, Мухторхон домла ёқтиргани учун, жуда ақлли, тамизли аёл чиқши муқаррар бўлган келини ҳамма ғойибона яхши кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

**ТАМИЗСИЗ** Тамизи йўқ; бегамиз, бефаросат. *Тамизсиз одам.*

**ТАМКИН** [а] 1 Салобат, савлат; савлатлилик.

2 Сабр, қаноат; оғирлик, вазминлик. *Жангаларда зафардор, Халқимга бўлиб ёр, Ҳар ишда мададор, Тамкину қарорим.* Ҳабибий.

**ТАМЛИ** Тами яхши; тотли, маза. *Тамли овқат.* — *Биринчи марта ўз меҳнатим.. билан тайёр бўлганиданми ёки ҳаддан ортиқ очиққангиданми, ҳар ҳолда, у кунги кўзқорин қовурдоги гўшт қовурдогидан ҳам тамлироқ туюлди.* С. Айний, Эсдаликлар.

**ТАМОЙИЛ** [а] эск. кт. Майл, мойиллик; тенденция. *Уша кўни у [Ҳусний] онасига ёмон гапирмади, онаси ҳам инсон эканлигини, айнан қалбда ҳақиқат тамойилли хукмронлигини биларди.* М. Исмоилий, Фарзандлик бурчи. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади.* Бу — шубҳасиз ҳақиқат! Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАМОМ** [а] 1 от Охир, поён, ниҳоя. *Иш тамомига етди.* Ҳикояни тамомига етказмоқ. **ТАМОМ БЎЛМОҚ** 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етмоқ, тугатмоқ, *Дарс тамом бўлди.* — *Олтин ўтда билинади,— деди Собирахон, уруш тамом ҳам бўлар, ўйин-кулги учун тўпланганимизда, бу кунлар эртандай бўлиб ҳам қолар.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) битмоқ, қўлдан чиқмоқ, тайёр бўлмоқ. *Қурилиш тамом бўлди;* 3) ишлатилиб, сарфланиб, истифода қилиниб одоқ бўлмоқ, тугамоқ. *Пул тамом бўлди. Вақт тамом бўлди.* — *Занжирли реакция ғоят даражада тезлик билан ривожланиди ва парчаланувчи материалнинг ҳаммаси тамом бўлганига қадар давом этади.* «Фан ва турмуш», 1959, № 10; 4) кўчма дард-алам тортиб, кулфат чекиб, куйиб ёки ёниб адо бўлмоқ, тугамоқ. *Майли, болам, бошага тушгани кўз кўрар, дейдилар. Мени кўйиб ўзингни ҳам бир ўйлаб қўй. Бу ташвишлардан адои тамом бўлдинг-ку, болам!* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим; 5) синмоқ, абгор бўлмоқ. *Еган еб кетди. Ичан ичиб кетди.* Аммо, Абдусеъ шу битта тўй билан тамом бўлди. «Муштум», 1963, № 23. **ТАМОМ ҚИЛМОҚ** 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб, сўзини тамом қилди.* Савол-жавобга ўтилди. А. Қаҳҳор, Қўшчнор; 2) битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Мақтаб қурилишини*

*сентябргача тамом қиламиз;* 3) ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ, тугатмоқ. *Ресурсларни тамом қилмоқ.* — *Пул десаг — саноғи йўқ.. Санаб тамом қилиб бўлмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. б.; 4) ўқув юртида ўқиб чиқмоқ, битириб чиқмоқ, ўқув юртини тугатмоқ. *Университетни тамом қилган киши;* 5) кўчма адо қилмоқ. *Ўғлининг ташвиши кампирни тамом қилди;* 6) кўчма ўлдирмоқ. *Тўқсоннинг мерганлик ҳаваси қўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидан сочма милтиқни олди-да, тапирчилаётган итни бир отишда тамом қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 7) кўчма синдирмоқ, абгор қилмоқ. *Битта тўй уни тамом қилди.*

2 *рви* Тамомилла, бутунлай, батамом. *Тамом эдан чиқармоқ, Тамом ишонмоқ.* — *Элмурод маънос бир неча қадам босди.* «Йўқ,— деди ичида,— бу мен билган, мен синаган Фотима эмас. Энди ўзариб, тамом бошқа бўлиб қолган». П. Турсун, Ўқитувчи. *Ярим кечага берганда душман тамом ҳолдан толиб, чекиншига мажбур бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | *Ҳамма, барча; ҳаммаси, барчаси.* *Тамом халқ мажлисга йиғилди.* — *Юсуфбек ҳожининг Нормухаммад қушбеига юборган чопари Қировчи яқинида унга етган ва қушбеги тамом сипоҳлари билан Тошкентга қайтарган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *кесим вазифасида Битди, тугади. Гап тамом, вассалом. Шу билан сўзим тамом.* — *Богинени биз зўрлаб олмаймиз, ука! — койиб, сансираб деди Фазлиддин.* — *Саккиз юз сўмини сана, иш тамом.* Ойбек, Кутлуг қон. *Шундан кўрқиди — тамом, ўлимдан кўрққани бўлади.* Ўлимдан кўрққан киши қаҳрамон бўлмайди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ **АДОЙИ ТАМОМ БЎЛМОҚ** 1) ғам-ташвишдан ёки дард чекиб адо бўлмоқ; 2) дунёдан ўтмоқ, вафот этмоқ, ўлмоқ.

**ТАМОМАН** *рви* 1 Сира ҳам қолмасдан, қолдирмасдан, батамом, буткул. *Хатар тамоман йўқолди.* Қарздан тамоман узилди. — *Сафар бўзчи гинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. | *Тўлиқ равишда, тўлиқ, тўла.* *Мактубни иситма орасида ёганингизга тамоман қаноат ҳосил қилдим.* Шунинг учун сизни айблаша ҳаққим йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Бутунлай, тамомла, тугдан.* *Аҳвол тамоман ўзгарди.* Мен сизни тамоман унутибман. — *Анвар кулди.* Аммо бу кулиш унинг боғи кулеларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулиси эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Эғнида бир энги тирсагидан, бир бари тамоман йўқ, илма-тешик бўз яттак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Сира, асло, ҳеч. *Мен бунга тамоман қўшила олмайман.*

**ТАМОМИ(Й)** [а] Ҳамма, барча, бари. *Тамомии(й) халқ майдонга йиғилди.*

**ТАМОМИ(Й)ЛА** *рви* Бутунлай, тамоман. *Аҳвол тамомии(й)ла ўзгарди.* Мен бунни тамомии(й)ла унутибман.

**ТАМОМЛАМОҚ** 1 Охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Леқцияни тамомламоқ.* — *Ҳожми ўздан ошириб сўзлаган бу сўзларини шу гап билан тамомлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Яна бир ғайрат қилиб, ГЭСни битириб оласак, колхозчилар канални тамомлаб, сувни бизга келтириб берсалар, марра бизники.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

3 Ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ, тугатмоқ. *Маблағларни тамомламоқ. Запасларни тамомламоқ.*

4 Ўқув юртида ўқиб битириб чиқмоқ, ўқув юртини тугатмоқ. *Мақтабимни тамомлаб, Келдим ерни сўроқлаб.* Ғ. Мирзо.

**ТАМОМЛАНМОҚ** *тамомламоқ* *фл. мажх. н.* Ўқши тамомланди. *Пахта терими тамомланди.* *Қурилиш тамомланди.* *Маблағлар тамомланди.*

**ТАМОМЛАТМОҚ** *тамомламоқ* *фл. орт. н.*

**ТАМОМЛАШМОҚ** *тамомламоқ* *фл. бирг. н.* *Ишни барвақт тамомланди.* *Ўқшини тамомланди.* *Қурилишни муддатидан олдин тамомлашди.*

**ТАМОШО** [а] *юк, усл.* Томоша. *Маккатуллода, Мадинада бўлдиқ, Арофот тоғига чиқдик.* *Бир ойча зифату тамошода бўлдик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тамошо айланг Ленин ўрқоқ ишини, Кўчада сулатди душман бошини.* «Фольклор».

**ТАМСИЗ** Тами, мазаси йўқ; бемаза, тотсиз. *Тамсиз овқат.*

**ТАМТАМ** 1 Қадди-қомати келишган ва зебо. *Ана, боша кўркам гулда пахтасини кўтариб, Хирмон сари илдам келар Зухра билан Марҳабо.* *Али ота оқ булутдай пахталарни шопириб, Ўқир тамтам қизларининг ғайратига тасанно.* Зулфия.

2 *кўчма салб.* Ўзига, кийим-бошига зеб берган; башанг, олифта. || *Номи Мўтти бўлса ҳам, кўп йиғитларни лақиллатганидан мўтти, деб ном олган бу қиз шаҳардаги энг тамтамларнинг бири экан.* С. Аҳмад, Мўтти.

**ТАМ-ТАМ** Катта мис баркаш шаклидаги, таёқча билан уриб чалинадиган музыка асбоби. *Чўчима, раққосал! Там-там сасидан.* Ҳ. Шарипов.

**ТАМТАРОҚЛИ** Дабдабали, баландпарвоз. *Тамтароқли иборалар.* — *Паншев унинг [Бахшиллоҳожининг] тамтароқли сўзларини таржима қилгандан кейин, пристав мутаваллини қўлтиқлаб тахт ёнига олиб борди.* М. Осим, Элчилар. *Михайловский жаноблари бу назарияни баён қиладиган жуда кўп марксистик адабиётнинг мазмунини умумий тарзда баён қилгандан кейин, ўз танқидини мана бундай тамтароқли узун гаплар билан бошлайди.* В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демо-

кратларга қарши қандай курашадилар.

**ТАМУФ** эск. дин. Жаҳаннам, дўзах.  
**ТАМШАНМОҚ** Бирор нарса еяётган, чайнаётгандек оғиз очмай лабларини қимирлатмоқ; оғзидагини тотиб кўраётгандек бўлиб лабларини очмай чайнамоқ. *Элмурод кўл кўйиб, мошкичиридан жиндек оғзига солди-да, бўйнини қисиб, ерга қараган куйи секин тамшанди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Мунчалик мазани топа олмайдн, Уйкуда тамшанган чақалоқ ҳам.* Ғ. Ғулом. | Оғзининг суви келиб лаб-лунжини қимирлатиб кўймоқ. *Шаҳардан олаётган шунча даромадинг камлик қийлатимики, энди қишлоққа қараб тамшанасан, баччагар!* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. | Оғзида бирор нарса бор кишидек сўзламоқ. У [Оқсоқол] ўзининг ёш шеригига эски жангалар ҳақида тамшаниб эртас сўзлайди. Ойбек, Навоӣ.

**ТАМҒА** 1 Нарса, мол, маҳсулот ва ш. к.ни ажратиш, ҳисобга олиш ёки уларнинг кимга тегишлилигини кўрсатиш учун қўйиладиган, босиладиган белги. *Фабрика тамғаси.* — *Оқондан қараб турган Нормат уларнинг [самолётларнинг] қанотларидаги қизил юлдуз тамғаларини кўриб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Баланд, тиниқ осмонда Пўлат қушлар учадн, Юлдуз тамға қушларни Кўрган кўзгун қочади.* З. Дир. | Қадимда маҳбусларнинг танасига босиладиган белги. | Шундай белги қўйиб, босиш учун хизмат қиладиган асбоб ва унинг ёрдамида қўйилган, босилган белги, из. *Боланинг билгиса ёпишиб қолган тамгани Наби полвон эритилган сургуч устига босилган печатдек, зўрға узиб олди.* Айний, Қуллар.— *Ҳа, тамга бузилган, ўғирланган эди,— деди Муллонаврўз.— Қанча ўғирланган? — Менинг тахминимча, икки ботмон ўғирланган.* Айний, Қуллар. *Тамга каби таниқли. Ҳар ерда бир из... /зоқларда жилади. Уч-тўрт хотин-қиз.* Ҳ. Олимжон.

2 **айн. герб.** Саодат беҳисоб тангалар орасида ўз тангасини таниб турибди; унинг бугдой бошоқ қўшилган ўроқ-болға тамғаси сув остида Саодатнинг кўзига ўзгача ярқирамоқда. И. Раҳим, Ихлос.

3 **эск.** Мухр, печать.

4 **От** ва қора молнинг сонига куйдириб босиладиган белги ва шундай белги босадиган асбоб. *Отнинг сонига тамга солмоқ.*

5 **кўчма** Асар, из. *Азоб-уқубатлар тамғаси.* — *Уларда [тарихий обидаларда] кўп танаклар ва динларнинг тамғаси бор.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. [Оймихон] *Модаминнинг хотинларининг ҳовлисини сулуриб, сувини таниб берган, аммо раҳмат ўрнига қарғиш ва жеркиш эшитган. Энди бу нарсалар унинг юрагига ўтмиши босган тамғалар бўлиб қолди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | *Аломат, нишона. Та-*

*на бузоқнинг турқи туққанига тамга деганларидек, албатта менга равшан.. Арабчи десанелар ҳам шу [Кумуш], ичи қоралик десанез ҳам шунда.* А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар.

6 **кўчма** Кишиларнинг қилмишига, хатти-ҳаракатига, хулқ-атвори ва ш. к.га кўра тақилган ёрлик, белги. *Лаънат тамғаси.* — *Менга қаранг, Субхонқул ака, сиз одамларни ҳар хил тамғалар билан бўлиб чиқдингиз. Шунчаки, оддий совет кишилари йўқми бу ерда?* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳом хаёл «азамат»лар пешонамга тамга босишга уста бўлиб қолдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан-кучли.

7 **тар.** Қадимда четдан киритилган молга белги солишда олинган бож.

◆ **Тилингда тамга босилганми?** тилингда йўқми?, нега гапирмайсан?

**ТАМҒАДОП** 1 **от, тар.** Қадимда четдан киритилган молга тамга босиш ва бож олиш билан шугулланган лавозимли киши.

2 **сфм** Тамга босилган, тамғали.

**ТАМҒАЛАМОҚ** Тамга босмоқ, тамга солмоқ. *Молларни тамғаламоқ.* — *Яхшигина кўриқланг, хабардор бўлинг, элаб чошлаганидан кейин тамғалаб менга хабар беринг.* *Фурсатимни топиб келиб, биргалишиб хирмонни кўтарамиз.* Айний, Қуллар.

**ТАМҒАЛАНМОҚ** тамғаламоқ **фл.** *мажҳ. н.* Тамғаланган **от.** — *Кўзим қарачида тамғаланганми Сўнмас севгилардан жилвалар сўнгсиз.* Ғ. Ғулом.

**ТАМҒАЛАТМОҚ** тамғаламоқ **фл.** **орт. н.**

**ТАМҒАЛИ** 1 Тамга босилган, тамга солинган. *Қизил ярим ой тамғали санитария аравачалари, машиналар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 **айн. герблн.** Дўқондорлар унинг кафтига алақандай тамғали марка пулли жерканиб ташлар, ё бўлмаса кўзларини ўқрайтириб, қўрларини силтаб, «кет!» деб жеркиб берардилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАН** 1 [ф-т] 1 Тана, гавда, жусса. *Мендан омон кетмас жонинг, Бунда қолар сенинг танинг.* «Ширин билан Шакар» | *Киши вужудининг сиртқи қисми, сирти, юзи; бадан. Тани қора одам. Текин томоқ танни тоза қиладн.* Мақол. — *Маҳдум бўлалн.. сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиқ бир домла эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 **Кишининг** бутун борлиғи, вужуд. *Соғ танда соғ ақл.* Мақол. *Тани соғлиқ — туман бойлик.* Мақол. — *Худоё тавба денг, жон бошқа, тан бошқа,— деди домла.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Анорғулнинг қўлидаги дўтор «ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қиладн.* А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар. *Оҳ тортсам қуриди танимда дармон, Юрагимда кўндир менинг юз армон.* «Ширин билан Шакар». **Бир жон, бир тан бўлиб қ. жон. Танга сингирмоқ** ўзлаштирмоқ, мия-

га куйиб, тушуниб, уқиб олмоқ. *Ёш командирлар шу мулозим сўзли озгин киши партиясининг, Лениннинг топширигини бераётганини аңлаб, унинг сўзларини танларига синадириб олдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ТАН** 2 [ф-т] 1 **Кимсага** тегишли қисм, улуш ёки нарса; кимсанинг зиммасидаги иш ва ш. к. *Ҳар ким ўз танини олди. Ҳаражатнинг ярми менинг таним. Мен ҳам тўртдан бир тан.*

— *Зил-замбилнинг нимаси?* — *Ойсулув кўпчиб пишган кулчадай юзида бежиримгина ўрнашган бурнини жийирди, юпқа лабини бурди.— Қўй. Оғир бўлсам ўзимга тани С. Анорбобев, Оқсой.— Бўпти, Даврон, зифат менга тан,— дедим. Ҳаммасини ўзим пишираман.* П. Қодирӣ, Қадрим.

2 **Дастлабки** баҳо; таннарх. *Танидан юз сўм камига сотмоқ.* | *Дастлабки маблағ, сармоҳ. Ёб-чиб танини қилмоқ.* — *Мухаммадражаб саккиз минг сўмни ойига ўн уч процент фойда бериш шартн билан олиб, икки ойдан бери на фойдасини беради, на танини.* А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Тан бермоқ** 1) **ишонмоқ, инонмоқ.** *Илгари мен, очиги, буларнинг қўлидан шунчалик иш келишига инонмаган эдим, энди тан бериб қўйдим.* Ҳ. Назир, Маёқ сари; 2) **қойил бўлмоқ, қойил қолмоқ.** *Ўқтам кўзларини қисиб, бошини тебратиб қовунни мақтади: — Дидингизга тан бердим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гоҳ-гоҳ дунёни ўйлаб, хўжайинга тан берман: умр қисқа, беш кунлик дунёда завқ сурши ганямат.* Ойбек, Қутлуғ қон; 3) **итоат этмоқ, кўнмоқ.** *Такдирга тан бермоқ. Танқидга тан бермоқ.* — *Шундай қилиб энди жаллодлар қайтди, Ҳар ишга тан бериб икхови етди.* «Ширин билан Шакар». **Тан олмақ** 1) **бўйнига** олмоқ, иқдор бўлмоқ. *Ўз хатоларини тан олмақ.* — *Адолат ҳар кунни кечқурун Усмонжонни кўрши орузида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин буни тан олишга ўздан-ўзи уларди.* С. Зуннунова, Гулхан; 2) **танимоқ, ҳисоблашмоқ; эътироф қилмоқ.** *Совет Иттифоқининг халқ маорифи соҳасидаги ютуқларини бутун дунё тан олмақда.* — *Раисни тан олмай қўйишларига ҳам сал қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАНА** 1 [ф-т] 1 **Гавданин**г бош ва қўл-оёқдан бошқа қисми. *Танаси айғон одам.* — *Дастлабки паллада оғриқ сезилмади. Норматнинг танаси, қўллари гусеничалар ўртасида қолгани учун шикаст емади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Гавданин*г бошдан бўлак қисми; жусса. *Тана аъзолари. Бошини танасидан жудо қилмоқ.*

2 **Киши** вужудининг сиртқи қисми, сирти, юзи; бадан. *Кумушхон айтмоқчи, танамнинг жароҳати бир йил бўлмаса, ўн йилда тузалар.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 **Кишининг** бутун борлиғи, тани, вужуди. *Танаси бошқа дард билмас.*

Мақол. — Осмонимиздаги булутлар тарқалиши билан, танамиз илмиди, жонимиз тинчийди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ота, бригада бошиқлари келиша, айтнинг, сводкани эрталаб олиб келишин, бошим оғриб, танам зирқираб турибди. С. Аҳмад, Хукм.

4 Дарахтнинг ўсимликнинг таг, поя қисми. Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон-йўғон қайрағочлар, таналари қулочга сиғмайди. Ж. Шарипов, Хоразм.

5 тех. Турли асбоб, машина ва ш. к.нинг бўлакларини тутиб турувчи қисми. Краннинг танаси.

◆ **Тананга ўйлаб кўр (ёки қара)** яхшилаб ўйлаб, муҳокама қилиб кўр. Жаҳимдан тушганидан кейин шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан унчалик қаттиқ гина қилишининг ҳождати йўқ экан. А. Қаҳор, Хотинлар.

**ТАНА II [ф-т]** Бир-икки ёшли урғочи бузоқ. **Тана боқмоқ.**

**ТАНАВОР [ф-т]** Пойабзалнинг бошлиғи ва кўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан тайёрланган заготовка. [Бойбур] Москвада юз хил касб эгалари яшагани, ҳар бир мол учун айри-айри бозор ва расталар борлигини, Москва-нинг чармфурушлик бозорида таг чарм бошқа растада, танавор чарм бошқа растада сотилишини гапириб берди. М. Осим, Элчилар.

**ТАНАЗУЛ [а]** Орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик, регресс. **Иқтисодий таназул.** Таназулга тушмоқ. Таназулга юз ўғирмоқ. — Деҳқончиликда майда ишлаб чиқаришининг.. таназули шакл-шубҳасиз фактдир. В. И. Ленин, Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми. Утмишда хароба, чанқоқ бўлиб келган Бешкент қишлоғи таназулдан тараққийга юз ўғирди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, 10 июнь.

**ТАНАКОР [ф-т]** I Бор кислотасининг натрийли тузи (сир тайёрлашда, химиявий идиш ва шишалар ишлаб чиқаришда, металлари кавшарлашда ишлатиладиган шишаси-мон тиниқ кристаллик модда).

2 кўчма Бирлаштирувчи энг зарур нарса ҳақида. Севги муқаддас нарса. Оиланинг тотув, ширин бўлишига у танакор бўлсин. С. Нуоров, Янгича тўғлар.

**ТАНАФУС [а]** I Дарс, иш, машғулот ва ш. к. орасида бериладиган қисқа дам. **Ўқувчилар танафусга чиқди.** **Танафус** эълон қилмоқ. **Ўзоқ танафусдан кейин қурилиш ишлари яна бошланиб кетди.** — **Эрталаб кўёи билан баравар туриши, қош қорайгунча иш.** Бир маҳал овқатга танафус. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги узилиш. **Партиямизда ўзоқ давом этган танафусдан кейин коллектив раҳбарлик вужудга келтирилди.** «Қ. Ўзбекистон», 1956, № 168.

**ТАНАЧА I тана-II с. кичр.** Танача

боқмоқ. — Бизнинг даргоҳга яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошвоқ, ўтлаб юрар эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 **физиол.** Кичкина, фақат микроскоп орқали кўрса бўладиган жисмлар, хужайралар. **Оқ таначалар.** Қизил қон таначалари. — **Қон — ичида жуда кўп қон таначалари бўлган тиниқ, деярли рангсиз суюқликдан иборат.** «Анатомия».

3 **бот.** Ниш; ниҳол.

**ТАНБАЛ [а]** Ўтакетган дангаса, ялқов. **Танбал одам.** — **Бўлмағай танбал киши бахту саодат истаса, Иш учун интилай, эл ичра шарафат истаса.** Ҳабнбий. || **Дала шийпони қурилишига бошиқ қилиб биркирилган киши анча бўшанг ва танбал эди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАНБАЛЛАШМОҚ** Танбал бўлиб бормоқ, танбал бўлиб қолмоқ, дангасалашмоқ. **Бекорчиликка ўрганиб танбаллашиб қолибсан.**

**ТАНБЕҲ [а]** Ножўя хатти-ҳаракат учун берилган таъбир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо. **Енгил танбех.** **Қаттиқ танбех.** **Танбех бермоқ.** **Танбех олмақ.** — **Кекса боғбоннинг самимий сўзлари ҳам таъна, ҳам танбех эди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — **Нега ҳа деб янглиша берасиз-а,— дея танбех қилди Элмурод.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Танбехини бериб қўймоқ айн.** адабини бериб қўймоқ қ. адаб. **Танбех емоқ койиш эшитмоқ, огоҳлантирилмоқ.** **Танбехини емоқ адабини, таъзирини емоқ.** **Одам тиқилинч бўлган бу вагонда жой тополмасдан эшикнинг олдида ўтириб, тоза танбехини едим.** М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТАНБЕҲЛАМОҚ I** Танбех бермоқ, адабини, таъзирини бериб қўймоқ, койймоқ.

2 **Огоҳлантирмоқ; уқдирмоқ.** Уни йиқилган йўғон дарахтлар орқасига ўтқазар, лавларини қисиб, қўллари билан танбехларди: «Йиғлама!» Ойбек, Қуёш қораймас. **Ёз кунлари [Ўзбек ойдим] айвоннинг тўрига ясланиб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодққа, қўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоқ олдирамасликни танбехлабгина ўтираар эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАНБЕҲЛОВЧИ I танбехламоқ фл. ш. оти.**

2 Танбех мазмунидаги, оҳангидаги. **Гулсумбиби қизини.. бир оз дам олиб, кейин ишга чиқишга буюрди-да, ўзи.. танбехловчи тоғуи билан қизига деди.** Ойбек, Қутлуг қон. **Шарофатбиби.. оловдай ёнган кўркам қизил гўлни танлаб, Комиланинг чаккасига ўз қўли билан қистириб қўйди.** Қиз унга танбехловчи назар ташлади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНБУР [ф-т]** Уч ёки тўртта сим торли, нохун билан чертиб чалинадиган музика асбоби. **Танбур чалмоқ.** **Танбурни созламоқ.** — **Барот полвон**

«додхоҳ келибди шекилли», деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, фижжак, най, доира кўтариб келаятган машиқоқларга кўзи тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Эшакнинг (ёки хўкзининг) қулоғига танбур чертмоқ (ёки чалмоқ)** тушунмайдиган одамга гап уқдирмоқ. — **Хўкзининг қулоғига танбур чертдимми, нодон хотин! — қизариб кетди Ермат.** — **Қимга бўлар эди, бой отам ўзига сўрапти.** Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАНБУРЧИ** Танбур чалувчи созанда. **Моҳир танбурчи.** — **Алоҳида уйларда ёки мактаб боғида [домла] улар билан бир логандан ош еб, дуторчи, танбурчи ва ашулачи йиғит-қизларни шу ерга чақиртириб маишат қилишга берилди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАНВИН [а]** Араб ёзувида ҳарфнинг устига ёки остига қўйилган кўш зер, қўш забар, қўш пеш.

**ТАНВИР [а]** эск. кт. Маърифат, маориф, оқартирув, ёритув. **Матбуотининг вазифаси халқни танвир ва тўғри йўлга ташвиқ бўлса, бизда бу вазифалар устига зам қилинган тилни тузатиш масъулияти ҳам бор.** «Қ. Ўзбекистон», 1925, № 193. **Мен мантиқ,.. фалсафа каби инсон закосининг муқаддас машғаллари билан талбаларнинг кўнгуллари танвир этман.** Ойбек, Назолий.

**ТАНГ [ф-т]** I Оралиғи, эни, ҳажми етарлича катта бўлмаган; тор, чоғ. **Танг йўлак.** — **Тошчи—тошларга уриб Тарқатиб кўрқинч оҳанг, Йўли унинг повнсиз, Гўё сахро кўкси танг.** Ғайратий.

2 Қутулиш, ҳал қилиш ёки иложини, давосини топиш жуда қийин бўлган, гоят оғир, мушкул, ночор. **Танг аҳвол.** || **Беморнинг аҳволи танг.** — **Уканг Қурбон оқсоқол тегирмонида ишлаб туради.** Рўзгордан бир қадар сиқилишган. У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг. Ойбек, Қутлуг қон. **Ишининг энг танг жойи, қум билан шагалнинг етишмаслигида.** А. Мухтор, Туғилдиш. **Шомми кал.. Шерназарбойнинг навкарларини тутдай тўқиб, уни танг аҳволга солиб қўйди.** Ж. Шарипов, Хоразм. **Хонлик турса Ҳуманиёз, дейман, Ҳали-ҳали яшар эдик танг Қандай яхши кунлар бошланди.** Ёшлик қургур ўтди-да, аттанд. Э. Раҳим. **Вақт (ёки фурсат) танг вақт оз, вақт зиқ.** **Отабек учун вақт ортиқ танг ва кўрқинч эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Танг бўлмақ I)** мушкул аҳволга тушмоқ. [Эшон:] **Энди нима қиламан, қорним тешилмаसाйди,— деб пўнғиллабди.** **Думаланибди, ағанабди.** **Ҳоли танг бўлибди.** Н. Мақсудий, Мечкай эшон; 2) диққат, тажанг бўлмақ. **Зухра тўй бошлансин, шодийна бошлансин.** С. Абдулла. **Уйқуси танг қилди уйқуси келди, уйқу босди.** [Ҳасанали] **ниҳоят кута-кута уйқуси танг қилгач, ўрнига**

чўзилиб кипригини кипригига улаб ётди ва ухлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Зарби танг** зардаси, аччиғи тез, сержахл. *Зарби танг одам. Захар танг қилди* сийғиси қистади.

**ТАНГА** 1 тар. Бухоро хонлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул. *Бир танга (йигирма тийин). Ярим танга (ўн тийин).* Туя бир танга — қани бир танга, туя минг танга — мана минг танга. Мақол. — *Битта мушак уч мири,— деди Туробжон,— юзта мушак отилас...* биттангадан юз танга. *Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади.* А. Қаххор, Анор. | Умуман кумушдан, олтиндан ёки уларнинг қотишмасидан зарб қилинган пул. *Танга ва чақа.* — *Охирида маддоҳ йиғилган танга ва қора пуллари бир шол қопчага солди.* Айний, Қуллар. *Полвон укасини ётқизиб, туеунчани очди.* Ундан ипакка ўралган хат ва учта олтин танга чиқди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 **Балиқ терисини қоплаб олган қаттиқ майда тўгаракчалар. Балиқнинг тангаси. Балиқ тангасини пичоқ билан тозалашмоқ.**

3 **кўчма** Йилтироқ тангасимон нарса ҳақида. *Чойхоначи Дадамат унда-мунда қўёш тангалари йилтираган тоза, текис саҳна миришкорлик билан сув сепди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНГАДАЙ,** -дек Танга ўлчамидек, кичик. *Супа ҳам анча салқин бўлиб, кечгача тангадек ерга қўёш тушмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Заргаров:] *Йўқ, йўқ! Менинг феълимди биласан-ку: жаҳлим чиқса, тангадай жанжални галеврдай қиламан қўяман.* А. Қаххор, Оғрик тиллар.

**ТАНГА-СОЧИҚ** тшл. Бошдан сочилган танга-чақа аралаш сочиқ. *Сарабиби аскар ўғли бошидан мева ҳам танга-сочиқ сочиб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНГАЧА** 1 танга с. кичр.

2 **кўчма** Майда танга шаклидаги йилтироқ нарсалар ҳақида. *Ер бетига осмондан Қўлаб тушар тангача, Будиқ қишининг зийнати Ҳамаёқ оқ тонганча.* З. Дийр.

3 айн. **танга** 2.

**ТАНГЕНС** [p<лат] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда бурчак қарши-сидаги катетнинг бурчакка ёпишган катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

**ТАНГИ** [ф-т] геогр. Икки тоғнинг остки туташган ери; тор дара.

**ТАНГЛАЙ** Оғиз бўшлиғининг бурун бўшлиғига туташган юқори қисми. *Қаттиқ танглай. Юмишқ танглай. Тилни танглайга тегизмоқ.* — *Секин [шафтолининг] пўстини арчисанг, оғзинга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-ку, сувини қулт-қулт ютсанг.* А. Қаххор, Кўк кон-верт.

◆ **Танглайи тақиллаб кетди** ёки

**танглайи қуриди** ортиқ сувсаб, томоғи қақраб кетди. [Қудратнинг] *лаблари қовжирган, танглайи қуриган, рангалари дўган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Танглайини кўтармоқ** (ёки босмоқ) этн. чақалоқнинг танглайини бошмадоқ билан босмоқ. **Танглайини... билан кўтарган** бирор нарсага ружу қўйган одамга нисбатан айтиладиган ибора («қўндоқда теккан» иборасига яқин). *Унинг танглайини пул билан кўтарган. Танглайини тақиллатмоқ танглай билан тил орасидан тақиллаган овоз чиқармоқ (хайрат, инкор ва ш. к. маънолар ифодалаш учун). — *Ҳеч кимда йўқми-а? — наришон бир ҳолда сўради Бувинисо. Қўзлари милтиллаган бола, гапиришига мадорсиздек, танглайини тақиллатиб, бош чайқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ТАНГЛИК** 1 танг с. белеи оти. *Жойнинг танглиги. Вақтнинг танглиги.* — *Э... деди тутилиб Умурзоқ ака.— Қирмоқчийдим-у, вақт танглик қилди-да.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 **Танг**, сиқик жой. *Тангликка сира тобим йўқ. Этигим бир оз танглик қилди.*

3 **Оғир**, мушкул ахвол; етишмаслик. *Озиқ-овқат танглиги.* — *Рўзгордан шундай танглик тортиқки, гапирсам, балки ишонмайсиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 **Зиқналик**, қаттиқлик. *Унинг бир оз танглиги бор.*

5 айн. **кризис. Иқтисодий танглик. Хукумат танглиги.**

**ТАНГО** [р] Тўрт тактада ўйналадиган мулоим рақс ва шу рақс музикаси. *Тангога рақс тушмоқ.* — *«Чет» тақлифларга чек қўйиш мақсадида уни ўзи тангога олиб тушмоқчи бўлди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ТАНГРИ** [мў] Худо, олло, парвардигор. *Мен қиламан ўттиз, тангри қилади тўйс-тўйс.* Мақол. *Тенг еганни тангри суйибди.* Мақол. — *Боласизга тангриси ҳам, бандаси ҳам бермас экан. Йигирма йил турмуш қилиб бола кўрмадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАНГЧИЛИК** айн. танглик 3. Тангчиликдан чиқмоқ.

**ТАНДА** 1 Мата тўқиш учун узунасига тортилган ип, ўриш. *Тандаси ҳам, арқоғи ҳам соф ипакдан тайёрланган атлас.* — *Этаги олицларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги тандага, янги обод бўлган жойлар эса шу танданинг аста-секин тўқилиб келатган сергул матасига ўшарди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Танда кўймоқ** 1) мато тўқиш учун унинг ўришини тартиби билан тортиб чиқмоқ. *Марғилоннинг йўлига Артель қўяди танда, Камчиликни яшириб, Раис бўлди шарманда.* «Кўшиқлар»; 2) **кўчма** кўп марта бориб келмоқ, қатнамоқ. *Иноят оқсоқол Марғилон билан Чортерак орасига танда қўйиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 **кўчма** Ўриш иплари каби тортилган нур, тола ва ш. к. ҳақида. *Қўёш ҳам шошқалоқ бўлиб қолди — тандасини дарров йиғиштириб олди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНДАЧИ** Танда кўювчи уста.

**ТАНДИР** [а] Нон ёпиш учун белгиланган махсус лой ўчоқ. *Тандир қурмоқ. Тандирга ўт ёқмоқ. Тандирда нон ёпмоқ. Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир.* Мақол. *Тандирдан янги узилган иссиқ нон.* — [Старшинанинг] *тандирдан чиққан ширмон нон каби бўртиб турган юзида шўх табассум пайдо бўлди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. *Август ойининг охири. Тошкент тандирдек қизган.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

◆ **Супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган бор-йўгини суриштирмай хотамлик қиладиган, эррайим. Раис супрадаги унга қарамай тандирга ўт қалайдиган хилидан. С. Аҳмад, Ҳодивой.**

**ТАН-ЖОН** [ф-т], тану жон кишининг бутун борлиғи, жони, тани, вужуди. *Тан-жонингиз соғми?* — *«Хорманг энди, отам! — деди аёл, қотма узун қўллари билан Элмуроднинг елкаларидан силаб,— эсон-омон, соғ-саломат, тан-жонингиз сиҳат?»* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАНИЛМОҚ** 1 танимоқ 1, 2, 4 фл. *мажх. н. У, ниқоби очилиб, танилиб қолди.*

2 (ж. ва ч. к. билан) Ном чиқармоқ, донг таратмоқ, машҳур бўлиб қолмоқ. *Оламга танилган шоир.* — *Гап-гаштақларда, ўтиришларда китобхонлик қилган жўралари орасида «ширинсухан»лик билан танилган Олимжон сайрайверди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Уч-тўрт кундаёқ янги студентимиз ўзининг ғалати хусусиятлари билан ҳаммага танилиб қолди.* Қ. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит.

**ТАНИМОҚ** 1 Таниш, ошно бўлмоқ, билмоқ. *Мен уни икки йилдан бери танилман. Бу ерда у ҳеч кимни танилмайди. Танимасни сийламас.* Мақол. *Минни танигунча, биринчи отини бил!* Мақол. — *Степан Иванович шу атрофдаги аҳолининг катта-кичигини танир ва уларнинг бирортасини кўриб қолса ўзида йўқ хурсанд бўлар эди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. *Нуринисони яқиндан таниганлар у билан ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Яқиндан билмоқ, билиб олмоқ, танишмоқ. [Абдушукур] Қозонда уч йил яшади. Татар савдогарлари орасида айланаркан, уни-бун таниди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 **Ўзига тегишли ёки таниш кимсани, нарсани кўринишидан ёки бошқа бирор белгисидан билмоқ, ажратмоқ. Овозидан танимоқ. Кўзидан танимоқ.** — *Дарвозабон бекини таниб қўл қовуштирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон тирққилишдан қараб тур*

ган Исроилад Азимов бу станцияни таниб, Пенза деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Халғи актив.** Элмурода таъна қилди: — Сиз мени танимайтибсизда-а? Ёш бўлсангиз ҳам бир кўрган одамнингизни танимас экансизда-а? П. Турсун, Уқитувчи.

3 Фарқига борадиган, яхши-ёмонни ажратадиган бўлмоқ, билмоқ, ўрганмоқ. Тўғра ошни кўз танийди, ошнани кўнғил танийди. Мақол. **Отинг борида йўл тани,** ақлинг борида эл тани. Мақол. — Сен азалдан одам танийсан. Қ нелгинга бир нарса келмасин-у, оғайни, Шообдуфаттоҳ Хўжаев ўғил бола йигит. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. **Йўлни Жўранинг отини ва унга қандай паравари қилишини томоша қиларкан, Жўра бошқа отларга бир зум кўз ташлаб, агар от танисанг, рисоладаги саман — шу, — деди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Ҳақ-хуқуқи, обрўйи, мавқеи ва ш. к. билан ҳисоблашиб муомала қилмоқ, тан олмоқ. Африкада **Мустиқликка эришган мамлакатларни СССР биринчи бўлиб таниди.** — **Биз Мусулмонқулни танимаймиз!** Бизнинг бошлиғимиз **Худодёрхондир!** А. Қодирий, Утган кунлар.

♦ **Оқ-қорани таниган** яхши-ёмонни кўрган, кўп нарсани, дунёнинг борди-келдисини билган. **Сиз оқ-қорани таниган одамсиз, Абдушукур.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Хат танимоқ** ўқиш-ёзишни билмоқ, саводли бўлмоқ. **Ана сизнинг меҳрибон Ойимхон опангиз. Активистка.** Районга бориб уч ой ўқиб келди. **Ҳа, сал-пал хат танийдиган бўпти.** П. Турсун, Уқитувчи. **Эсини (ёки ақлини) танимоқ** эси кириб, улғайиб онгли равишда иш қиладиган ва кўрган-кечирганларини эслай оладиган бўлмоқ. **Биз, раисимиз айтмоқчи, энди эсини таниган боладаймиз: кўп нарсага қизиқамиз, кўп нарсани билгимиз келади.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мирпўлат Темирович гапнинг пўст калласини айтдилар, эсимни таниганимдан бери бу иккинчи марта **этик кийишим.** С. Маҳкамов, Шогирд. **Ҳақни танимоқ** ўз ҳақ-хуқуқини билмоқ, ҳақ-хуқуқини ўз қўлига олмоқ. **Давлатёр таърифлагандек — «ҳақини танимаган»** бу бечора [Худойқул] шу равишда ҳаёт кечирар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТАНИТМОҚ танимоқ** фл. орт. н. **Ўзини танитмоқ. Хат танитмоқ.** — **Мен бу ўғлонни сенларга яхшироқ танитиб қўйгани келдим.** Х. Назир, Мусобақадослар. **Совет ҳукумати, партиямиз бизга сув берди ҳам унинг кучини танитди.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНИТТИРМОҚ танитмоқ** фл. орт. н. **Ўзини таниттирмоқ. Хат таниттирмоқ.**

**ТАНИШ 1 танимоқ** фл. иш оти. **Бир-бирини таниши. Хат таниши. Оқ-қорани таниши.** — **Фарғонада мени Азизбекнинг шеригидир, деб танишлари**

эҳтимолдан йироқ эмасди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 **сфт** Бирор кимса илгаридан билган, кўрган, унга илгаридан маълум бўлган. **Таниши одам. Таниши овоз. Таниши иш.** || **Бу ерлар унга болаликдан таниши.** — **Зиёдилла таниши дала йўлидан ҳаёл суриб борарди.** Х. Фулом, Машғал. **Буларнинг ҳеч қайсиси кўзимга таниши эмас.** Х. Назир, Чўл ҳавоси.

3 **от** Бирор кимса кўрган, билган, танийдиган одам; ошна. **Бир кўрган — билиш, икки кўрган — таниши.** Мақол. — **Ермат Йўлчи билан ёнма-ён юриб, эски таниши каби ундан-бундан сўзлашиб борди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Бу кечаси ҳам шу ерда тунаб, эртасига танишлар билан бирга жўнадик.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. | **Дўст, ўртоқ. Кўз таниш** фақат салом-алик қилишиб юрадиган, ҳали яқиндан ўрганилмаган киши, узоқ таниш. **Зиёрат қилувчиларнинг аксариси узоқ-яқин, кўз таниши мадраса талабалари.** эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТАНИШ-БИЛИШ** Узоқ-яқин танишлар, ошна-оғайнилар. **Унинг таниш-билиши кўп.** — **Элмуроднинг таниш-билиши ва синфдошларидан кимлар ҳарбийга олинганини санабди Муҳаррам. Шухрат, Шинелли йиллар.**

**ТАНИШЛИК 1 таниш** с. белги оти. **Иш билан танишлик.** — **Унинг [Забонинг] Элмурод билан муносабатини бошда, шунчаки, танишлик бўлса керак, акасини кўриб юришга баҳона, деб ўйлаганди.** Шухрат, Шинелли йиллар.

2 **Таниш-билишларнинг ўзаро муносабати, ошна-оғайнилик.** **Менга қолса, бу ишда ҳеч бир қўрқадиган гап йўқ, уста билан танишлиги бўлса, унинг уйига меҳмон бўлгандир.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАНИШМОҚ 1 танимоқ** фл. бирг. н. **Улар мени танишмади.** **Тошкентимиз шундай ўзгарганки, уни узоқ кўрмаганлар ҳозир таниша олмайди.**

2 **Кимса билан ўзаро таниш бўлмоқ, билиб-бирини таниб, билиб олмоқ. Болалар бир-бирлари билан танишиб чиқдилар.** — **Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади.** Шухрат, Шинелли йиллар. **Албатта, ўзинг бирга борсан, қудаларинг билан танишмоғинг ҳам зарур.** А. Қодирий, Утган кунлар.

3 **Муфассал ўрганмоқ, кўриб чиқмоқ, билиб олмоқ. Иш билан танишмоқ, Шаҳар билан танишмоқ.**

**ТАНИШСIZЛИК 1 кам қўлл.** **Таниш эмаслик, нотанишлик. Иш билан танишсизлик.**

2 **Танишлари йўқлик. Шаҳрингизга биринчи марта келишим бўлгани учун танишсизлик, ёлғизлик мени жуда зериктирган эди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАНИШТИРИЛМОҚ таништирмоқ** фл. мажх. н. **Иш билан таништирил-**

моқ. **Меҳмонлар шаҳар билан таништирилади.**

**ТАНИШТИРМОҚ танишмоқ** фл. орт. н. **Аҳвол билан таништирмоқ.** — **Бу йўл унч биринчи марта одамлар билан таништирган ва ҳозиргача у таниш одамлар асосан шу йўлдагилар эди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Комсомоллар навбат билан ҳар кунни кечқурун келиб чойхўрларни янги китоблар билан таништирар, газета, журналлар ўқиб беришар эди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТАНИҚ 1 от** Таниб олиш учун қўйилган ёки табиий белги, нишон. **Йўқолган отингизнинг қандай таниқи бор? Таниқ бермоқ** танитмоқ. **Қишлоқда Мулла Мамажонни илгаридан танийдиган кишилар: — Бу йиллар [1928-29] фалон мазорнинг даҳмасида шайхлар билан бирга эди, — деб таниқ берадилар.** Ф. Фулом, Тирилган мурда.

2 **сфт** Таниб олиш учун қандайдир белгиси ёки белгилари бўлган; таниқли. **Таниқ мол.**

**ТАНИҚЛИ 1** Таниб олиш учун қандайдир белгиси ёки белгилари бўлган; таниш. **Таниқли кўча.** — **Тамга каби таниқли, Ҳар ерда бир из.. Узоқларда жилади Уч-тўрт хотин-қиз.** Х. Олимжон.

2 **Атоқли, машҳур. Таниқли шoir.** — **Кўпчилик олдида айтишиб ўтириш иккинчигизга ҳам ярашмайди, — ..иккинчиз ҳам эл-юртда таниқли одамларсиз.** И. Раҳим, Ихлос.

**ТАНК** [р<ингл] Зерхланган, тўп ва пулемётлар билан қуролланган, ҳар қандай оғир йўлда ҳам юра оладиган гусеницали ҳарбий машина. **Оғир танк. Енгил танк. Танк дивизияси.** — **Бу ёққа [қишлоққа] мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмоқда эди.** А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТАНКЕТКА 1** [р] Кичкина танк.

**ТАНКЕТКА II** [р] Тагчарми товонга томон қалинлашиб борадиган хотин-қизларнинг енгил оёқ кийими.

**ТАНКЧИ** Танк қисмида хизмат қилувчи ҳарбий ходим. **Танкчилар жанга кирди.**

**ТАНЛАМОҚ 1** Саралаб, хиллаб ёки керагани, мосини, хоҳлаганини олмоқ, сайламоқ. **Қадр танламоқ. Қовун танламоқ. Кўйнинг семизини танламоқ. Йўл танламоқ. Қасб танламоқ. Эшакнинг танлагани шўра.** Мақол. **Уроқчининг ёмони ўроқ танлар.** Мақол. — **Қампир бу масалада шошиш ярамаслигини, кувёвни хўп танлаб, ота-онасини суриштириб, қасб-корини билиб, ундан кейин тўйга жавоб бериш кераклигини таъкид қилди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

2 **Фарқига бормоқ, яхши-ёмонни ажратмоқ. Овқат танлайдиган одам. Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.** Мақол. — **У [Сидиқжон] энди, дастлабки кунлардаги сингари, бегона-**



сирамас, гаплашгани ва ҳамтовоқ бўлгани одам танламас, рўпара келган тўпга қўшилиб хурсандчилик қилар.. эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Танлаб, ажратиб олмоқ.— Қаёққа бўларди, уйга-да,— қўрслик билан жавоб берди чол.— Хар ким ўз молини танлаб олсин, деган буйруқ чиқибди-ку! С. Аҳмад, Хукм.

◆ Танлаб (ёки танлаб-танлаб) тозисига учрамоқ танлаб-танлаб энг ёмонига, нобопига учрамоқ.

**ТАНЛАНИШ** 1 танланмоқ фл. иш оти.

2: табиий танланиш айн. табиий сайланиш қ. сайланиш.

**ТАНЛАНМОҚ** танламоқ фл. мажх. н. Танланган асарлар.

**ТАНЛАШМОҚ** танламоқ фл. бирг. н. Харидорлар молнинг нуқул сарасини танлашади. — Кейин улар [эр-хотин] кеча эрталаб ҳоқимга сарпо танлашга катта уйга кирдилар. М. Исmoilий, Фарғона т. о.

**ТАННАРХ** [ф-т] Маҳсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш харажатларидан иборат ўз нархи. Маҳсулотнинг таннархи. — Правление бутун эътиборни пахта майдонини кенгайтиришга... механизация ва агротехникага суяниб пахтанинг таннархини камайтиришга берган эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТАННОЗ** [а] 1 Ўзига ғоят оро бериб юрадиган ва серноз. Танноз қиз. || Танноз тарангунча тўй тарқар. Мақол. — Хўжа ва Амир Халил танноз йиғитлардай олифта кийинган эдилар. Ойбек, Навоий.

2 Андоми ўзига келишган; нозанин, барно. [Қодирқул:] А? Шундаками? Жуда танноз дегин! [Хонзода:] Шаҳарда битта десам ёлгончи бўлмайман. Унинг чиройи ўз бошига бало бўлди. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Тизма тоғлар бағрида Сўх энг гўзал, энг соз экан, Қизлари меҳнатда илгор, шўх экан, танноз экан. А. Пўлат. Ёз экан, Танноз экан, Серноз экан, Дам соз экан. Ғ. Ғулом.

**ТАННОЗЛИК** 1 танноз с. белги оти. 2 Таннозларга хос иш, ноз, карашма. Таннозлик қилмоқ.

**ТАНОБ** [а] 1 эск. Ер ўлчаш, чизик тортиш ва ш. к.ларда ишлатиладиган узун чилвир, режа ип. **Таноб тортмоқ** (ёки урмоқ) режа ип тортиб ўлчамоқ. *Матчон тўра кўзда ҳосилни йўғиштириб олган, кўмегача чўзилган бўз ерларга таноб урдириб ўзига қўшиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кам қўлл. Умуман ингичка арқон, чилвир ёки каноп, ип, ришта. *Шоҳнинг амри билан минг полвон ва кал икки кеча-кундуз йўл тортиб, Гўша тоғига етиб, чортиқлар [қодирлар] танобини тортиб.. ётаверди.* «Зулфизар билан Авазхон». Беками-қўст турмуш кегириб, эр-хотин тотув яшаётган кезларда тўсатдан бу иноқ оила чархининг таноби узиди. И. Раҳим, Ёш хотин. *Банд этиб зулфинг аро*

кўнглимни озод этганинг, Қуш учиргандек эрур боғлаб аёғига таноб. Нодира.

3 эск. Турли ерларда турлича ( $\frac{1}{6}$  гектардан  $\frac{1}{2}$  гектаргача) қийматга эга бўлган ер ўлчови. *Тонг отеунча бир танобча ернинг гўзаси сув ичди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Богнинг сатҳини Салим уч ярим таноб, Фазлидин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Йўл танобини тортмоқ** йўлни қисқартирмоқ. *Юз қатла ардоқлайман, улуг ва ардоқлим, Йўлбошичи ва етакчи коммунист партияси, Йўллар танобин тортмиш девкор қўли қадоқлим, Ишичи, қўшичи, ямакчи Ленин гвардияси.* Миртемир. **Оғзининг таноби қочди айн. оғзининг боғичи қочди қ. боғич.** **Танобини тортмоқ** (ёки тортиб қўймоқ) 1) тартибга қақирмоқ, адабини бериб қўймоқ. *Партия ёрдамга келди: «сиркаси сув кўтармаётган»ларнинг танобини тортиб қўйди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда; 2) қисқартирмоқ, камайтирмоқ, қисиб қўймоқ. *Овқатнинг танобини тортиб қўйишди.* И. Раҳим, Чин мухаббат; 3) тизгинини қўлга олмоқ, бўйсундирмоқ, жилловламоқ. [Назокат] умридан барака топсин. *Чўлининг танобини тортишти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ТАНОБЛАМОҚ** Таноб тортиб ер ўлчамоқ. *Минг таноблаб ҳисобланган олмазор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ТАНОБЛАНМОҚ** танобламоқ фл. мажх. н.

**ТАНОБЛАТМОҚ** танобламоқ фл. орт. н.

**ТАНОБЧИ** эск. Таноб тортиб ер ўлчовчи; землемер. *Бой танобчи олиб келиб ўлчади.. икки таноб чиқартириб олган эди. Менинг тахминимча, бой ўлаб олган ер икки танобдан ортиқ эди.* Айний, Қуллар. | тар. Солиқ олиш учун ер ўлчовчи лавозимли киши. *Ясовулбоши Шерназарбой хоннинг буйруғини кўнгилдагидай бажара бошлади, қишлоқларга танобчилар юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАНОВАР** [ф-т] Ўзбек халқ рақс куйларидан биринчи ном. *Тановарни чалмоқ. Тановарга ўйнамоқ.*

**ТАНОВУЛ** [а]: тановул қилмоқ истеъмол қилмоқ (емоқ, ичмоқ). — Қани, бу ёққа, Анвар! — деди маҳдум.— Таомини шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мана бу гўзал Туркистон тупроғининг меваларидан, қани бу об-ҳаётдан қитдек-қитдек тановул қилиб ўтирайлик.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.— *Баъзан мия айниб, нима қилишни билмай қолганингизда жиндак тановул қилсангиз, фикрингиз равшан бўлади-қолади.* — деди Афғончойфуруш. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАНОСИБ** [а] эск. 1 Ўзаро нисбат, муносабат, боғланиш.

2 мат. Нисбат, пропорция.

**ТАНОСИЛ** [а] Биологик жинсга оид, жинсий. *Таносил ағзолари.* **Таносил касалликлари** жинсий аъзолар касалликлари, венерик касалликлар.

**ТАНСА** [р тапел] с. т. Танча, рақс. **ТАНСИК** [а] Кам қилинадиган ёки бирор жойда кам бўладиган, лекин севиб ейиладиган. *Тансиқ овқат. Тансиқ мева.* — *Қазы-қарта, кабоб, палов, бешбармоқ, Ковун-тарвуз, мева, саримой, қаймоқ, Тансиқ ҳисобланган хар нимаки бор, Дастурхонимизда сизга интизор.* Уйғун. | с. т. Кам топиладиган, ноёб. *Адолат извоидаги тансиқ моллар, эб-зийнат бизомларини кўриб, шуларнинг ҳаммаси бир бригадага тегишли эканга ишонмади.* И. Раҳим, Чин мухаббат.— *Жуда иймансангиз мана бир қучоқ гул, бера қоласиз..— деди ҳазилсимон Қомила.— Ана тансиқ соғал!* Ойбек, О. в. шабадалар. | с. т. Кам учрайдиган, онда-сонда бўлиб турадиган. [Тантано-боёвчача] *Жондор вагончи каби дўстини ғоят қувонтирган «ажойиб тансиқ ўтириш» ваъдасининг бундай ишқал бўлиб чиққанидан уялди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАНСИҚЛИК** тансиқ с. белги оти. **ТАНТАЛ** [р<грек] Химиявий элемент, кўкиш темир ранг, эриши қийин қаттиқ металл.

**ТАНТАНА** [а] 1 Бирор муҳим воқеа, ҳодиса ва ш. к. шарафига балопад руҳ билан ўтказиладиган, ўйин-қулги, хурсандчилик билан давом этадиган шодиёна маросим. *Байрам тантаналари. Янги йил тантаналари.* — *Буеун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаёттир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чехра очди майнинг гўзали, Олам гулга кўмилиди яна. Жаҳон бўйлаб шодлик кезади, Меҳнат ўлкасида тантана.* Уйғун. *Ўз тарихий байрамини тантана қилган халқ Тошкент қўчаларидан дарё-дарё бўлиб оқиб, янги шаҳарга томон денгиз бўйиб борар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. | Бирор қувончли воқеа муносабати билан тор доирада, мас. оилада ўтказиладиган шодиёна. *Тўй тантаналари. Оилавий тантана.*

2 Зўр ғалаба, зафар, муваффақият. *Ленин ғоялари бутун дунёда тантана қилмоқда.* — *Тогда ҳам, настда ҳам, қишлоқда ҳам, далада ҳам — ҳамма ерда фидокорона меҳнат тантана қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Зафар, муваффақият шодиёнаси; зафар, муваффақият туфайли туғилган шодлик кайфияти. *Фелетон босилиб чиққан кун Элмурод учун катта тантана бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАНТАНАБОЗ** [а+ф-т] Тантанани, асъаса-дабдабани яхши кўрадиган, қуруқ тантаналарга берилган; дабдабобоз.

**ТАНТАНАБОЗЛИК** Қуруқ тантаналарга берилиш, дабдабобозлик. *Тантанабозликка қарши кураш.*

**ТАНТАНАВОР** [a+ф-т] айн. тантанали. Тантанавор марш. Тантанавор қиёфа. — Қодиржоннинг сўнги сўзлари залнинг гўлдурас олқишлари остида тантанавор қасам бўлиб янгради. Х. Назир, Утлар туташганда.

**ТАНТАНАЛИ** 1 Баланд рух ва тантана билан ўтган ёки ўтказиладиган; тантанавор, шодиена. Тантанали байрам. Тантанали кун. — Батальон ёғе тантанали парада тайёрланганга ўхшарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Гўё сўезд тўпланган унда, Ленин нутқин шимирарди зал. Ҳокимият — Советларники! Тантанали «Интернационал».* С. Акбарий. | Тантана руҳи билан суғорилган, кўтаринки руҳдаги. Тантанали марш. — Чирманда ҳавони кучли ва тантанали садолар билан янгради юборди. Ойбек, О. в. шабадалар. || Радиода танти дикторнинг овози тантанали янграмоқда эди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Асъаса-дабдала, данғиллама. Никоҳ тўйи факулдда суронли ва тантанали бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАНТИ** 1 Ҳеч нарсадини аямайдиغان, хотам; мард. Танти йигит. — Собир почтам танти. Катта тўй қилади. Ойбек, О. в. шабадалар. | Меҳнатини аямайдиган, астойдил меҳнат қиладиган, астойдил турадиган. Танти қурувчилар. — Майли, танти туррамиз, плотинани чин дил билан, чин виждон билан қурганмиз, — деди Смирнов. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Олий химмат, саховатли. Қодир бўла туриб, ғоят камтарин, Ғолиб бўла туриб, беғараз, танти. Ғ. Ғулом.

2 Сахий; бой. Танти фасл — ёз Фарғонага қутлуғ қадим билан кириб келди. Т. Қаримов, Пилла йили. || Уктам ҳам Усаржонга қараб, салмоқлиниб деди: ...хуллас калом, меҳнатни аяманглар, Ана унда бу жой хийла танти бўлади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНТИЛИК** 1 танти с. белги оти. Балли, Раззоқвой! — ота ўғлининг тантилигига тан бериб гапирди. Х. Ғулом, Машғал.

2 Танти одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; хотамлик; мардлик. Колхозчиларнинг кучи билан тўпланган бойликни тантилиқ қилиб совирши ҳам яхши эмас, ўртоқ бухгалтер. С. Анорбоев, Оқсой. [Тантибойвачча] Гуландомга суйқалди, унинг атлас кўйлаги остида балқиб турган кўкрагини ўйнади. Кераксиз бўлса ҳам, тантилиқ учун ҳар хил овқатлар, ичимликлар буюрди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАНТИҚ** 1 Ортиқ эркалатиб талтайтириб юборилган, талтайган; эрка. 2 Бўлмағур қилиқлар қиладиган, қилиқлари келишмаган, бемаъни. [Саудалимхон] ўлгудек тантиқ. Агар бир эркаланишга тушиб кетса, киши қилмаган қилиқларни қилади. Ойдин, Ҳазил эмиш.

**ТАНТИҚЛАНМОҚ** Тантиқлик қилмоқ, ҳаддан ортиқ эркаланмоқ, суюл-

моқ. Эъзозхон очилиб кулди-да, нимчасини ечиб узатди: — Мана, суюнчи, жоним! Тозаул танқиқланди: — Бу билан қутулмайсиз. Чақалогимга бош-оёқ сарпо қиласиз. Х. Ғулом, Машғал.

**ТАНТИҚЛИК** 1 тантиқ с. белги оти.

2 Тантиқ, эрка кишиларга хос қилиқ, хатти-ҳаракат, иш; эркалик.

**ТАНУР** [a] эск. кт. айн. тандир. **ТАНФУРУШ** [ф-т] Эркаклар билан жинсий алоқа ҳисобга кун кўрувчи бузуқ хотин; фоҳиша, ғар. *Фуд афанди танфурушлар гумаштаси бўлиб, қора умрини қора ишлар билан ўтказган қабиҳ бир махлуқ эд.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ТАНФУРУШЛИК** танфуруш с. касб оти.

**ТАНЦА** [р танец] 1 Европача рақс (танго, фокстрот, вальс ва ш. к.).

2 Шундай рақс музикаси. Брамнинг венгерча танчалари.

3 Европача рақс кечаси. Бахтиёр дамлар кечанинг охиридаги танцада ҳам давом қилиши керак эди. П. Қодиров, Уч илди.

**ТАНЧА** диал. айн. сандал 1. Очип танчага писта кўмир солиб,.. икки муфти кўлларини оловга товлар эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТАНҚАЙГАН** Учи юқорига кўтарилган ва тешиклари кўриниб турадиган (бурун ҳақида). Унинг [Николайнинг] кўнғир қошлари, осмондай кўм-кўк кўзлари, сал танқайган бурни, қалин лаблари кўзларимга иссиқ кўринар, аммо уни қаерда кўрганлигимни эслай олмасдим. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ТАНҚИД** [a] 1 Иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот, назария ва ш. к.нинг салбий ва ижобий томонларини, ютуқ ва камчиликларини бирор нуқтага назардан қараб текшириш, таҳлил қилиш, баҳолаш. Объектив танқид. Субъектив танқид. Илмий танқид. Адабий танқид. Танқид ва ўз-ўзини танқид-тараққиётимизнинг асосий қонуни. Танқид қилмоқ. Ишга танқид кўзи билан қарамоқ. — Танқиднинг вазифаси шуки, у ҳар бир воқеани ғоя-мақсад билан эмас, балки бошқа бир воқеа билан таққос қилиб, уларнинг бир-бирига муносабатини билмоғи лозим. В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар.— Танқид — келажакнинг меваси. Биз танқид ва ўз-ўзини танқид орқали хато ва камчиликларимизни очиб ташлатимиз керак,— деди Хўжабеков. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАНҚИДБОЗ** [a+ф-т] Бўлар-бўлмаста танқид қилишни, ҳамма нарсадан камчилик излашни яхши кўрадиган одам.

**ТАНҚИДБОЗЛИК** Бўлар-бўлмаста танқид қилавериш, ҳамма нарсадан камчилик излаб қуруқ танқидга берилиш.

**ТАНҚИДИЙ** [a] 1 Танқидга оид; танқиддан иборат бўлган, танқид мазмунидаги. Танқидий мақола.

2 Танқидчилик руҳидаги, танқидийлик руҳи билан суғорилган; танқид кўзи билан қаровчи. Танқидий реализм. || Уктам ўз чопиғига танқидий разм солади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАНҚИДЧИ** 1 Адабий, илмий, публицистик асарларни таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва баҳолаш билан шуғулланувчи адабиётшунос. Адабий танқидчи. Театр танқидчиси. Кино танқидчиси.

2 с. т. Танқидбоз. **ТАНҚИДЧИЛИК** 1 Адабий, илмий, публицистик асарларни таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва баҳолаш иши, фаолияти. Адабий танқидчилик.

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, таълимот, назария ва ш. к.га танқидий ёндошиш, танқидий нуқтага назардан қараш.

**ТАНҚИС** [a] Талабни, эҳтиёжни қондира олмайдиган даражада оз, етишмайдиган; камчил, камёб. Танқис мол. — Шағал, қум олтмиш чақиримдан ташилади — биласан, қурилишда энг танқис нарса шу. А. Мухтор, Тугилиш. *Сув ҳозирги кунда танқис, ҳарна олдинроқ келгани яхши.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор нарсадан сикилган, талабни, эҳтиёжи етарли даражада қондирилмайдиган; мухтож. *Сувдан танқис ерлар.* — [Қодир:] *Иш оғир, турмуш оғир.. Эҳтимол, кийим-кечакдан танқисдирлар.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

**ТАНҚИСЛИК** 1 танқис с. белги оти. *Сувнинг танқислиги.* — Биз кўприк қуриш билан қурилиш материал танқислигидан узил-кесил қутуламиз. А. Мухтор, Тугилиш.

2 Талаблар, эҳтиёжлар етарли даражада қондирилмаётган оғир аҳвол, етишмовчилик. Танқисликда яшамоқ. Танқислик тортмоқ. Танқислик кўрмоқ. — Уруш йилларининг танқислигида Очил шундай ҳаёл сурарди: Оловидиннинг шамчиروғи унда бўлса-ю, ҳаммага етадиган қилиб энг яхши овқатлардан буюрса. П. Қодиров, Уч илди.

**ТАНҒИМЛОҚ** танғимоқ *фл. мажх. н.* Замоннинг: бошида эски дўппи, пешанаси, кўзларигача туширилиб танғилган, юзида ғайрат ўти-у шу қиёфада Фарҳодни эсга солади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ТАНҒИМОҚ** 1 Арқонини калта қилиб боғламоқ. *Отни устунга танғиб кўймоқ.* — Шу дасткам уйига арқон билан танғиб қўйганга ўхшайдилар-а. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Маҳкам сиқиб, ўраб-чирмаб боғламоқ, чандимоқ. *Белни танғимоқ, Яранни танғиб боғламоқ.* — Умар шойи

қийиқ билан пешанасини танғиб, каравотга ётди. И. Раҳим, Ихлос. [Тамара] бир оз ўзига келгач, сочларини бошига танғиди-да, Гофирни диванга тақлиф қилди. Қ. Мақсумов, Қутилмаган бахт. Югурганича ичкари уйга қирмоқчи эди, оқ фартуқли, бошига оқ рўмолча танғиган ёшигина хотин чиқиб уни тўхтатди. Ойдин, Чақалоққа чакмонча.

**ТАНҒИШ 1** танғимоқ *фл. иш оти. Пешанани танғиш.*

2 *мед.* Танғиб боғлаш учун белгиланган материал. Қон вена ёки капиллярлардан оқса қаттиқроқ босадиган танғиш билан боғлаш керак. Н. Исмойлов, Қасалларни парварниш қилиш.

**ТАНҒИҚ (ЛИ)** Танғиб, чандиб боғланган, танғилган. *Пешанаси танғиқли йигит Тингламоқда айтганин чолчинг.* Э. Раҳим.

**ТАНҲО** [ф-т] Бошқа кимсадан, нарсадан холи, якка, ёлғиз. Ҳамма ёқни сақлар муз тоғидан ғов, Жимликка тикилган бир танҳо ўтов. Ғ. Ғулом. Киз билан йигит суҳбатининг танҳо гувоҳи — осмонда сузиб юрган ой қаршисидаги қора булут парчасига айёрларча секин кириб яширинди. Ф. Музажонов, Хури. || Уйқум қочғач, кўчаларни танҳо айланиб, ширин орзулар оғушида тонг отеунча кезиб юргим келарди. О. Ёқубов, Икки муҳаббат. | Ҳеч кимнинг иштирокисиз, ёрдамисиз. — Уғрилари йлдирганда Отабекнинг ёнида неча кишичи бўлган? — деб сўради қўтидор. Уста қудди: — Отабекнинг танҳо ўзи! — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Кишисиз, кимсасиз, ёлғиз ўзи қолган, бошқалардан холи; ёлғизликдаги. Йигит қалбига чуқур ўрнашган муҳаббат уруғи умидлар, орзулар, тоза эхтирослар алангаси билан танҳо кечаларнинг ширин рўёларида ўсди, гунчалади, гуллади. Ойбек, Қутлуғ қон. | (ў.п.к. билан) Тенги, мисли йўқ, яккаю ягона. Чеварликда танҳо қиз. Чиройликда танҳо.

**ТАНҲОЛИК 1** танҳо *с. белги оти. Ғўзалликда танҳолик.* ■ Предметни аниқлаш ёки шахснинг танҳолигини таъкидлаш учун қўлланган «ўз» сўзи ўзлик олмоши деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги».

2 Ёлғизлик ҳолати; ёлғизликдаги ҳаёт. Унсин туморча шақлида ҳовлида айланади, танҳолик ва ҳасрат унинг юрагини эзди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ғазал ёзар, юрак беқарор, Танҳоликда унга ғазар. Ғайратий.

**ТАОЛЮ** [а] *дин.* Энг олий, энг юқори кўтарилган (худонинг эпитетларидан бири). Худодий таоло. ■ Ҳасанали севинчисини топширгандан сўнг дуога қўл очди: «Олло таоло умри билан берган бўлсин!» А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Йўқ, — деди эшон.. Йўқ, — банданинг иши ҳақ таолога имон келтирмоқ! П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАОМ** [а] Пиширилган, ейиш-ичиш учун тайёрланган нарса; овқат. Лаз-

затла таом. Миллий таомлар. Таом тайёрламоқ. Таом туз билан, туз — ўлчов билан. Мақол. Аввал таом, баъдаз калом. Мақол. ■ — Қани бу ёққа, Анвар, — деди маҳдум. — Таомни шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Бир қозонда икки таом Аралашмай пишарми? Икки ёрга кўнгил берган Дунёда ҳеч яшарми? Ҳамза.

**ТАОМИЛ** [а] Бирор жамиятда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида, расм, традиция. Эски таомил. Янги таомил. Таомилга кирмоқ. ■ Тўйнинг тўри азиз меҳмонларга аталади. Урф-одатимиз, таомилемиз шундай. М. Назаров, Чўлни яшнатганлар. Тўй кунлари ичкарида самоварни кўпинча эркак киши қайнатиши эскидан бир таомил бўлиб қолган. Ойбек, Қутлуғ қон. Эл таомилида кексалар ҳаммиша маслаҳат беришар, ёшлар эса ўша маслаҳат меваларини теришар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Яшаш тарзи, ҳаёт қонуни-қоидалари. Фарғонада коммунизм таомили, расм-русмлари билан яшайётган кишилар минг-минг. Й. Шамшаров, Кўрк мейморлари.

**ТАП 1** тақл. с. Икки нарсанинг бир-бирига урилиши ёки бирор нарсанинг ерга зарб билан тушуvidан ҳосил бўладиган бўғиқ товуш ҳақида. Олма тап этиб ерга туиди. ■ Ботирали ўзини тап этиб ерга ташлади. Ўқ варағлади. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ТАП 2** [ф-т]: тап тортомоқ чўчимок, ҳадиксирамоқ. [Заргаров:] Нимадан тап тортаман!.. Олса столини олади-да. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Қудрат тап тортмаса ҳам, Қўзибой кўрқиб кетди, жон ҳолатда.. папкасини итга қараб отди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Шоқирбек, сиз ўйлаган кишилардан эмас, асло тап тортмай сўзлай беринг. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАПИЛЛАМОҚ** «Тап-тап» урилмоқ, «тап-тап» овоз чиқармоқ. Бола тапиллаб бориб, ўзини онасининг қучоғига отди. ■ Тун сукунатини фақат водокачканинг тапиллашигина бузмоқда. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ТАПИЛЛАТМОҚ** тапилламоқ *фл. орт. н.* Оёқларини тапиллатиб ерга урмоқ.

**ТАПИЛЛАШМОҚ** тапилламоқ *фл. бирг. н.*

**ТАПИРА-ТУПУР** айн. тапир-тупур. **ТАПИРЛАМОҚ** айн. тапилламоқ. **ТАПИРЛАТМОҚ** тапирламоқ *фл. орт. н.*

**ТАПИРЛАШМОҚ** тапирламоқ *фл. бирг. н.* Қирққ йигит отланиб, Аҳмад сардор билан қирқ битта бўлиб, чошқада [чошгоҳда] Аваз хонадонига тапирлашиб кирдилар. «Зулфизар билан Авазхон».

**ТАПИР-ТУПУР** тақл. с. Кўп ва бетартиб тушаётган қадам товуши, «тап-тап» овоз ҳақида. Бир ордан кейин жуда кўп от тақаларининг тартиб-

сиз тапир-тупури эшитилди. Ҳ. Ғулом, Машъал. Жуда яқин келиб қолган тапир-тупурдан, бир-бирига асло ўхшамаган «ба-би», «ма-ма»лардан бутун атроф ларзага келарди. С. Анорбоев, Оқсой. Эрталаб ҳовлида эркаклар тапир-тупури бошланди! Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ТАППА** тақл. с. «Тап» этган товуш чиқариб урилиши, тушиниши ифодалайди. Ўзини таппа ташламоқ. Таппа босмоқ. ■ Пирнафас аки ўзини ёстиққа таппа ташлади. Ж. Шарипов, Хоразм. Шакархон уйига лоҳас тортиб қайтди-да, ариқ бўйидаги сўрига таппа ёнбошлаб, чуқур нафас олди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Шу пайт мотор таппа ўчиб қолди. Ш. Ғуломов, Азим дарёман дебон.

**ТАППАҚ** диал. Таппи.

**ТАП(ПА)-ТАЙЁР 1** Бағамом тайёр қилиб қўйилган ёки тайёр бўлиб турган; тахт, ҳозир, шай. Овқат таппа-тайёр, еб кетинг. ■ Хотин ҳамма нарсаларини сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Мавжуд, бор, муҳайё. Нусратуллонинг йўли бошқа, унинг таппа-тайёр ота мулки бор, егани олдида-емагани кетида. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАППА-ТАППА** таппа *с. тақр.* Тоғ устида жанг қизиб кетибди: егни тошдек таппа-таппа тоғдан думалатиб тушдира беришибди. Ойдин, Олтмиш газ арқон.

**ТАППА-ТАХТ 1** рви Худди, нақ, роса. Гулсаранинг буювси Таппа-тахт кирди юзга. Сочлари қордек оппоқ, Юзи ўхшар кундузга. Қ. Муҳаммадий. Водокачка биноси қурилишини тугатиш учун таппа-тахт уч кунлик иш қолган эди. А. Толипов, Ҳақиқат енгди.

2 айн. таппа-тайёр 1. Ҳамма нарса таппа-тахт. Сафар анжомларини таппа-тахт қилиб қўймоқ. ■ Дошиманд кал, сипоҳийликни ўхшатиб, қўшинни таппа-тахт этиб... бостириб бора берди. «Хушкелди».

**ТАППИ** Чорва моллари гўнгидан рапида шаклида ясаб қуритилган ёқилғи. Қуруқ таппи. Таппи ясамоқ. Таппи ёқмоқ. ■ У [Зобо] боғ ва полизга қарарди, ҳовли супуриб, уйларни йиғиштирарди, нон ёпиб, сизир соғарди, кир ювиб, таппи қиларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Бу бесаёр жимлик ва қоронғиликда, жинчиноқ иррираган сари, таппи ёпиб ташланган баланд деворлар билан уч томондан ўраб олинган ҳовли юзи худди ерга чўкиб кетаётгандай эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАППИ-ТЕЗАК** Таппи ва тезак(лар); таппи ва тезакдан иборат ёқилғи. Таппи-тезак ёқмоқ.

**ТАППОТ** диал. Тапг, ҳарорат. Наҳотки, ўғли чўл таппотлари билан олишишга кетаётганини анламаса! С. Нуров, Мехригё. Ҳали бўй чўзолмай таппотда қовжирган еиёқни кўрмаган киши томчининг қадрини на

билсин! С. Кароматов, Сахро қўшиғи. Қариш чўли. Шамол увиллайди, кўчма кумлар гирдоб солади, саратон тапоти юзни куйдиради. С. Нуров, Дурдона.

**ТАПТ** [ф-т] с. т. Тафт, ҳарорат.

**ТАП-ТАЙЁР** қ. тап(па)-тайёр.

**ТАП-ТАП** тап I с. тақр. Набигул нима дейишни билмай, у ёқ-бу ёққа қаради, сўнгера, икки қўлини икки сонига тап-тап урди-да, баланд, ингичка товуш билан хўроз бўлиб қичқирди. А. Қаххор, Қанотсиз читтақ. Бирин-кетин тўрт кишининг отдан тап-тап тушгани эшитилди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ТАП-ТАҚИР** Бутунлай тақир, бирорта ҳам тук ёки гиёҳ йўқ. У [Ҳошимжон ака] тап-тақир, юмалоқ бошини силаб жилмайди. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.— Бу тап-тақир даштнинг олтин водийга айлантираман.— деди ишонч ва гурур билан Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАП-ТУП** тап I ва туп III с. тақр. Уриқлар тап-туп ерга тушиб бошлады. — От туёқлари бўғиқ тап-туп қилади, эгар-жабдуқлар аста шириқлайди. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

**ТАР I** [ф-т] I: тар мева хўл мева. У ерда тандирдан янги узилган хушбўй иссиқ нон, шафтоли, ўрик, қора чарос.. ва ҳар хил тар мева уюлиб ётар эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 диал. Янги. Тар очилган тоза боғнинг гулисан, Энанг ҳам отаннинг жони дилисан. «Рустам».

**ТАР II** тақд. с. Тариллаган овоз ҳақида. Алижон исқирт, зил тўшақни уйдан олиб чиқиб, ҳовлининг бир бурчагига улоқтирган эди, унинг бир томони тар этиб йиртилиб, ичидан пул сочилиб кетди. Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ТАРАДДУД** [а] I Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш учун кўриладиган тайёргарлик, уриниш, ҳаракат. Имтиҳон тараддуди. Сафар тараддуди. — Ҳар икки томон ҳам шу бугундан бошлаб тўй тараддудини кўрадиган бўлдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Катъиятсизлик, иккиланиш; шундай ҳолатда сурилган ўй, фикр-хаёл, ташвиш, мулоҳаза. Унинг эндиги тараддуди учрашиш ёки учрашмаслик борасида эмас, Раънонинг олдига очикча боришми, яширинчани тўғрисида эди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. Мен Матлубанинг. шабадада тўзғиб пешанасига тушган майин сочларини, тараддуд ифодаси жилоланиб пар-пар ёнган катта чарос кўзларини кўрдиму, ўзимдан ранжидим. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. Опа-сингил ўзларини қаёққа қўйишларини билмай, тараддудга тушиб қолдилар, кўчага, йўлга қарадилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Йўлчи] меҳмонхона эшигига келиб, тараддудда қолди, камбағал учун ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАРАДДУДЛАНМОҚ** I Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш учун тайёргарлик кўрмоқ, уринмоқ, ҳаракат қилмоқ. Сафарга тараддулланмоқ. — Эличибек ўрнидан туриб кетиб, қаёққадир тараддуллана бошлади. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Ўйланмоқ, иккиланмоқ, мулоҳаза қилмоқ. Муҳаммаджон Кароматовнинг илтимосини эслади, лекин Акбаровга юзлангиси келмай тараддулланди. П. Қодирӣ, Уч илдиз. Менга ҳам Сатторкул акамнинг раис бўлиши маъқулдай туюлдику, бироқ раис бўлиб олгандан кейин мени яна кўпроқ ишлатса керак, деб тараддулланиб қолдим. Ҳ. Фулом, Тиралган мурда. Ҳакимбойвачча бу масалада ўзининг узоқ вақт тараддулланишига ниҳоят, фурсатни қочирганига афсусланди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАРАКАН** айн. суварак.

**ТАРАКАНА** Узаро тақсимлаш, бўлиш. Таракана қилмоқ.

**ТАРАҚЛАМОҚ** Узлуксиз ўткир зарб товушни чиқармоқ. Совуқдан тишлар таракларди. — Узоқда гоҳ-гоҳ автомат очереди тараклаб қўяди. Ойбек, Кўёш қораймас. Тошларнинг кўрғон кунгуралирга тегиб гумбуралиши,.. мўғулларнинг даҳшатли сурони, ноғораларнинг тараклаши, карнайларнинг ғат-ғути ҳавони ларзага келтирди. М. Осим, Ўтрор.

**ТАРАҚЛАТМОҚ** таракламоқ фл. орт. н. Ноғораларни тараклашмоқ. — Чол зўр бериб тамшанар, тишларини тараклатар,.. атрофдаги увода латталарни тимириқлаб ёнига тортар, тамшаниб-тамшаниб ниманидир ютагандай бўлар эди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар:

**ТАРАЛА** Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; хурсандчилик, гашт. Тўй бўлса сизга нима гам, аяжон? Сиз ҳам таралани ванг қўйиб юравермай-сизми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ўйнаб-кулиб, таралангни тортиб юравер. Сенга «чурк» этадиганнинг боши ўнта. Ҳ. Фулом, Шум бола. **Ҳа-ҳа тарала** айн. тарала. Жондорбой ҳовлиқиб, шакаф ичидан коньяк олар экан, унинг меҳмонлари кириб келишиди.. Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қўйиб тутди, ҳа-ҳа тарала билан тик туриб ичишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАРАЛАБЕДОД** Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; хурсандчилик, гашт. Таралабедод қилиб юрмоқ. — Қачон кўрсанг таралабедод, хурсанд, хушчақчақ. Шухрат, Шинелли йиллар. **Таралабедод, жон ганимат** ҳеч гам-ташвиш қилмай айшини суриб юрадиган одам ҳақида айтиладиган ибора. Сиёсӣ савиянгизни ўстириш устида ишламайсиз. Унинг ўрнига қизлар билан.. таралабедод, жон ганимат! Биз бўлсак сизлар учун ўқиймиз. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАРАЛИШМОҚ** Ҳар томонга тарқалмоқ, тарқалишмоқ.

**ТАРАЛЛА** айн. тарала. Нафси ёмон, ҳаромхўр, меҳнатни севмас унга Текин таом, текин пул, айшу таралла бўлса. Уйғун.

**ТАРАЛАБЕДОД** айн. таралабедод. Бировларнинг севгисини хор қилиб, бошқа ёр топиб таралабедод қилиб юрвчиларнинг адабини бериб қўйиш керак. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. Кулларнинг таралабедод замони келди, тиллим узун, нима дейсан, мен хурриятман! А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАРАЛМОҚ** I тарамоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Сув ҳамма эгатга барвар таралади. — Ўрмонжон шошиб чиқиб кетди ва бирон соатдан кейин озгин. сочи ўнг томонга жуда ҳафсала билан таралган... ёшига бир йигит билан кириб келди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Ёйилмоқ, тарқалмоқ. Қайси бир узун қулоқ орқали бу гап қамиш тўзғоғидай таралиб кетди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Қумушибиби бошловчи қизлар билан уйга кирди, ундан таралган атир ислари билан ўй тўлди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ун икки ўғил-қизли ота-онанинг донги бутун мамлакат бўйлаб таралди. Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

3 Ҳар томонга кетмоқ, тарқалмоқ. Қизлар мусиқий асбобларни қучоқлаб, кўрқа-писа, ёнг демасдан, ҳар ёққа таралдилар. Ойбек, Навоӣ. Чипор товуқ ҳам зўр ташвиш билан қақаглаб, таралиб юрган жўжаларини қаноти остига қақирарди. А. Мухиддин, Оташ қалбли қиз.

**ТАРАМ** Таралган нарса тутами; ўрим. Бир тарам соч. — Сочингиз тарамлари ипакдан силлиқ. Миртемир.

**ТАРАМОҚ** I Тарақ ёки бошқа бирор нарса билан соч, соқол ва ш. к.нинг чигилини ёзмоқ, текисламоқ. Йигит наридан-бери сочларини таралди, галстугини тузатди. А. Қаххор, Қўшчинор. Отам ўйланми қолди. Соқолини бармоқлари билан таралди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Қоронғида сокин турган отнинг бўйнидан қучоқлади, бармоқлари билан ёлни таралди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ювиб-тараб** озода тутиб ва парварниш қилиб. Мен укаларимни ювиб-тараб кечкурун бир қошиқ оби-ёвгон қайнатиб, етимлигини билдирмасликка уриндим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 қ. х. Ариқ-жўякларга сувни бир маъёрга тақсимлаб юбормоқ, таратмоқ. Жўяк олинган жойларда тажрибакор сувчилар чанқанан гўзаларга сув таралдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шермат ота икки гектарлик картага сув тараб бўлди-да, эгатларни кўздан кечириб, ўқ ариқ бўйига чиқди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 Кўчма поэт. Ёймоқ, сочмоқ; таратмоқ. Қорли тоғлар орқасидан Атлас сочин тараб қўйди, Гоҳ, мўралаб ўйнатар қош. Ханда сочар дудогидан. Ғайратӣ. **Ток(ни) тарамоқ** ток новдаларини бир-бирдан ажратиб, та-

ратиб бағазларга боғламоқ. *Боғбон боққа қаролмапти, тоқларни таролмапти. Гул мевалар тўқлибди, боғбон дили сўқилибди.* Е. Шукуров.

**ТАРАМ-ТАРАМ** Ранг-баранг узун-узун йўлли, йўл-йўл. *Тарам-тарам олма.* — Ҳовлидаги ёнғоқ ва ўриқларнинг қорамтир баргалари ва бутта ораларини тарам-тарам қизғиш нур ёритмоқда эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. || Гулорнинг юзи бўртиб, тарам-тарам қизарган; ҳарсиллаши аввалгидан зўрроқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАРАН** [р <грек] 1 тар. Қалъа ва унинг дарвозаларини бузишда қўлланиладиган, узун йўгон холадан иборат, занжирга осиб боғланган қадимий харбий қурол. *Искандар усти ёпиқ, ғилдиракли таранлар ясаптирди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 *ҳарб.* Душман самолёти, кемаси ёки танкига ўз самолёти, кемаси ёки танки билан зарба бериш. *Душман самолётини таран қилмоқ.*

**ТАРАНГ** [ф-т] 1 Қаттиқ тортилган, солқа ёки бурушиқ жойи қолдирилмасдан керилган. *Таранг дор. Таранг тортилган арқон.* — Унинг [Тўқсоновнинг] ялтироқ катта бошида худди қолипга тортилган маҳсидай таранг турган чуст дўпписи ҳам бор эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Тўлишиб силиқ тортган, текис. *Во ажабо! Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офати жон фариштами? Қўзлари худди олмадай таранг.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устихонига ёпишди, энли таранг пешанасида ажинлар пайдо бўлди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. | Семиз, миқти. *Хотин қўйни ушлаб кўрди, ҳақиқатда бу қўй шундай таранг эдики, одам ҳайрон қоларидиган даражада!* С. Абдулла, Соёлар.

◆ **Асаби таранг ёки асаби таранг тортилган** ортиқ асабийлашган, асаблари кўзгаган. *Буеун унинг [Адолатнинг] бутун эски жароҳатлари яллиғландиган кун, у бунга тайёр бўлиб, бутун асаблари таранг, ғалати бир қиёфада жинчиноққа тикилиб ўтирарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Кеча-кундуз босилган йўл асаби ўзини кўрсата бошлади. Анчадан буён доим таранг тортилган унинг [Шербекнинг] асаблари залдаги иссиқдан бўйшади, икки кўзи ўздан-ўзи юмилиб кета берди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Таранг қилмоқ** с. т. кишини ялтирмоқ, ноз қилмоқ. *Шундай пайтларда Ҳури жуда очилиб кетар, гали келганда ҳеч таранг қилмай, қўлидан келганини кўрсатар эди.* Ф. Мусаёнов, Хури.

**ТАРАНГЛАМОҚ** Тортиб ёки кериб таранг қилмоқ. *Дорни тарангламоқ. Дўторнинг ипини тарангламоқ. Матони таранглаб гул тикмоқ.*

**ТАРАНГЛАНМОҚ** тарангламоқ *фл. ўзл. ва мажж. н.* Ип тарангланди.

**ТАРАНГЛАШМОҚ** Тобора таранг бўлмоқ, таранглашиб бормоқ. *Ип таранглашди.*

**ТАРАНГСОЗ** [ф-т] кам қўлл. Таранг созланган (торли асбоб ҳақида); яхши қизитилган (чилдирма, ноғора ва ш. к. ҳақида). *Буқун нақ саҳарда Бокунни Ўзбек қўшиғи уйғотди. Ҳазарни тонг билан шу кунни Тарангсоз чирманда уйғотди.* Т. Тўла.

**ТАРАНИШМОҚ** таранмоқ *фл. бирг. н.*

**ТАРАНМОҚ** Сочларини тараб ўзига оро бермоқ. *Танноз таранмуна тўй тарқар.* Мақол. — [Элмурод] ювинди, таранди ва сўнгера айвондаги сандалга ўтирди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАРАННУМ** [а] *поэт.* Куйлаш; куй. *Аллаловчи ва фараҳбахш нозик тараннум Севги меҳри билан мени ҳарнафас қучар.* Ғайратий. **Тараннум этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) куй ижро этмоқ, куйламоқ; 2) *кўча* мадҳ этмоқ, мақтамоқ, куйламоқ. *Шоирлар шетрларида тараннум этган гўзал боғ!* Ойбек, Навоий.

**ТАРАТИЛМОҚ** таратмоқ *фл. мажж. н.*

**ТАРАТМОҚ** 1 тарамоқ *фл. орт.н.* Сочини таратмоқ. *Жўякларга сув таратмоқ.*

2 Ёймоқ, сочмоқ. *Қабобязнинг елпигичи мовий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Осмонни тўлдириб учган қушларни айтинг: улар ҳам ҳузур бағишлаб, Кўкорол кўкида ёқимли куйлар таратар эди.* Ҳ. Назир, Сўнас чакмоқлар. | Ҳар томонга тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ. *Республикамиз пахтачилик соҳасида донг таратган ҳосил усталарининг номири билан фахрланади.* — *Зайнабнинг кейинги сўзи Комиланинг қандайдир гўмонларини тундай таратиб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАРАФ** [а] 1 Нарсаларнинг атрофидаги ёки бирор томондаги жой, ён, томон, ёқ. *Урданинг ташқариги қисмининг уч тарафи (жануб, шарқ, ғарб) биносиз, фақат қўрғон деворларининг зиналари эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир ҳам биз билан столнинг бир тарафини гуллатиб, савлат тўкиб ўтирди.* Ойдин, Уялди шеклили, ерга қаради. | Ҳаракат ёки кузатиш йўналган томон, йўналиш (одатда олмошлар ёки жой номи билан бирга келади). *Машина шу тарафга кетди.* Бола биз тарафга қаради. — *Қутидор видолашиб аравага чиққанда, кўча тарафдан Отабек кела берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саодат кампир... даладан чанга ботиб келётган бир неча хотинларга қўшилиб, Ҳадра тарафга жўнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Тўрт тараф** чор атроф; ҳамма ёқ, ҳамма томон. *Тун аёз, изғирин, ел тўрт тарафга юеуриб жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Сўзловчи кўзда тутган ўлка, жой, мамлакат. *Сибирь тарафларда қиш қаттиқ совуқ келади.* — *Бизнинг тарафнинг фуқароси*

андак қизиққонли бўлади. Ойбек, Навоий.

2 *фольк.* Душман, ғаним. *У вақтлар эзилган камбағал бўлди, Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди.* Эргаш шоир.

3 Бир-бирига қарши бўлган, ён босмайдиган, тарафқаш томонлардан бири, томон. *Уришувчи тарафлар. Тарафларни муроасага келтирмоқ.* — *Нимага?* — *Нимагаки, эринг сен тарафда, чин қундошлик ва чин душманлик Зайнаб тарафда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тарафини олмоқ** бирор томонга ён босмоқ, бирор томонни химоя қилмоқ. *Қудрат камбағаллар тарафини олиб, қишлоқ балохўрлари билан олшимасди.* А. Мухтор, М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Курашувга, беллашувга, баҳслашувга хоҳиш билдирувчи шахс, талабгор. *Бирор шахарга келганида унга [Қўлатқорага] тараф чиқмай қолса борми, бундай шахарнинг йиғитлари йиғит ҳисобланмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ишобиш: «Қани, тараф борми?» — деб, полвонларни майдонга чақирганда, нима бўлди-ю, таваккал қилиб ўрнимдан туриб кетдим.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Тараф** йўқ бас келадиган, беллаша оладиган, тенглашадиган киши йўқ. Унинг [Валлоннинг] одамхунлиги, кўнгличанлигига тараф айқ. Ҳ. Назир, Олмос.

5 Иш-ҳаракат, ҳодиса, мақсад ва ш. к.нинг бирор томони, жиҳат. *Бир тарафдан яхши, бир тарафдан ёмон.* — *У тун бўйи учрашининг яхши ва ёмон тарафларини ўйлаб ухлай олмади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Хотиржам бўлсинлар, тўрам, бу тарафни бизга қўйиб берасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ғани бошқа тарафга бурмоқ** (ёки чалитмоқ) қ. бурмоқ 3.

6 3-ш. эгаллик ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. тарафидан 2).

**ТАРАФАЙН** [а] Даъвогар ва жавобгар ёки баҳслашувчи, курашувчи, олишувчи томонларнинг ҳар иккиси; томонлар, тарафлар. *Тарафайнларни сўроқ қилмоқ.* — *Тарафайн бир-бирлари билан танишиб кўришгандан сўнча, марказ вакили идорани бу йилги зўр муваффақият билан табрик қилди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАРАФ-БАТАРАФ** рвш Бир-бирига зид икки тарафга бўлиниб, тараф-тараф бўлиб. *Деҳқонлар, боғбонлар чойхоналарни тўлдириб ўтиришадидан, тараф-батараф аскилбозлик қилишадиди.* Б. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас.

**ТАРАФДОР** [а+ф-т] 1 Бир-бирига зид бўлган томонлардан бирига ён босувчи, уни қўллаб-қувватловчи, химоя қилувчи шахс. *Мусулмонқўла тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қайтак ўқталганга, тўқмоқ кўтар деганлар. Сен ҳам ўз тарафдорларингни тайёрлайверсан.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.



2 Бирор гоя ёки ҳаракатни ҳимоя қилувчи, шу гоя, ҳаракат учун курашувчи шахс, ташкилот ва ш. к. **Тинчлик тарафдорлари.** — Мен водокачкани электростанция қилиш тарафдориман. А. Каххор, Қўшчинор.

**ТАРАФДОРЛИК тарафдор** с. мавҳ. от. Энди ораларида Аҳмад махдумга тарафдорлик қилиб, гапларига ҳалол берадиган мулла Муҳиддин йўқ эди. Айний, Эсдаликлар.

**ТАРАФИДАН** 1) Томонидан, ёғидан. Кун чиқши тарафидан.

2) *кўм. вазифасида.* Томонидан, жиҳатидан. Сифат тарафидан хотиржам бўлмоқ.

3) Томонидан, номидан. Махдум Сафар бўзчини мулла Абдурахмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган деб ўйлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Зиё шохичи қутидор тарафидан ўзига бериладиган шу саволни қутиб турган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАРАФКАШ** [а+ф+т] 1) Бирор томоннинг тарафини олувчи; тарафдор. Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2) Қарши чиқувчи, курашувчи, беллашувчи; талабгор. — Бургутнинг йигитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонда тарафкаш йўқ, — деди йигит. С. Аҳмад, Чўл бургути.

3) Тараф-батараф бўлиб курашувчи; гуруҳбоз. Менинг қишлоғимда тарафкашлар кўп... Бир-бирини қовлайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАРАФКАШЛИК** 1) тарафкаш с. мавҳ. от. Тарафкашлик қилмоқ. — Жанжал бир нафасда тарафкашликка айланиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2) Гуруҳбозлик, группабозлик.

**ТАРАФЛАМА:** ҳар тарафлама ҳар томондан, ҳамма жиҳатдан, ҳар томонлама. Бу масалани ҳар тарафлама ўйлаб кўрмоқ лозим. Бир тарафлама бир томондан, бир жиҳатдан, бир томонлама. Масалани бир тарафлама ҳал қилмоқ. **Икки тарафлама** 1) икки тарафдан, икки томондан, икки томонлама. **Икки тарафлама ҳужум;** 2) *кўйма* икки маъноли, ундай тушунса ҳам, бундай тушунса ҳам бўладиган; мужмал, муҳмал. Улар.. Абдужамилбойнинг икки тарафлама сўзидан шубҳали бўлиб қоладилар. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАРАФЛИ** Тарафи бўлган. **Икки тарафли** пичоқ. **Икки тарафли мовут.** Бир тарафли қилмоқ у ёқдан ёки бу ёқдан қилмоқ; бирор томон фойдасига узил-кесил ҳал этмоқ. **Бир тарафли бўлмоқ** у ёқда ёки бу ёқда бўлмоқ; бирор томон фойдасига узил-кесил ҳал бўлмоқ. **Отабек иш бир тарафли бўлеунча** ўзининг қочмаслиги учун қафия беришга мажбурдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАРАФЛИК** Бирор тарафга, жойга мансуб. **Шарқ тарафлик олим.** — Қамаш тарафлик бир арбобни ўша Валихон зиндонга ташлабди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТАРАФМА-ТАРАФ** айн. **тараф-батараф.** Қўчада Витя, Сарсенбой, Остап ва қўшни болалар тарафма-тараф бўлиб, тўп тепишмоқда. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Буларга колхозчи ҳаваскор ашулчилар, ййинчилар, қизиқчилар, ниҳоят тарафма-тараф аскиячилар қўшилиб, концерт қоронги тушуғича давом этди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТАРАФСИЗ** с. т. Ҳеч ким қарши чиқа олмайдиган, беллаша олмайдиган, тенги, тарафи йўқ; енгилмас. **Тарафсиз паҳлавон.** — Душман дилин қон айлаган, Ер билан яқсон айлаган, Тарафсиз полвон Октябрь. Эргаш шоир.

**ТАРАШ** 1) тарамок фл. иш оти. Сочни тараш. Сувни тараш. Тараш машинаси. Тараш цехи. — Лаъли ишвали кўзлари билан унга ҳар қанча термулиб боқмасин, бек ўз оти билан, унинг.. ёлини тараш билан машғул. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ТАРАШ** II [ф+т] Кесиш, йўниш, тарашлаш. Идишлар қуриб, тарашдан чиққан, [Кулмуҳаммад] гилвата қуярди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ТАРАША** [ф+т] 1) Ёриб майдаланган ўтин. Қуруқ тараша. Тараша тайёрламоқ. — Кўмир йўқлигидан, тараша чўғи танчани бирпас бозилатиб сўнган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кейин у айвондаги самоварни пуфлаб, ўтхонасига тараша ташлай бошлади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2) *кўйма* Қуруқ, қаттиқ нарса ёки қотма одам ҳақида. Унинг қўллари бамисоли тараша.

◆ **Томдан тараша тушгандай** кутилмаганда, бирдан, тўсатдан; ўйламай-нетмай. Холиқнинг томдан тараша тушгандай гаплари тагин кулгимни қистатди. Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Қизик, тупла-тузук йигит, у йўқ-бу йўқ, томдан тараша тушгандай.. бирдан совчи юборгани қанақаси. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**ТАРАШАДАЙ,** -дек Тарашага ўхшаш қуруқ, қаттиқ. **Тарашадек** нон. — Кундузи пойабтални узиб олай дейдиган ботқоқ ер, кечаси тарашадек қотиб қолган. Н. Сафаров, Оляяхон Султонова. — Бургутни бир кунда овлаб бўлмайди. Кетидан икки-уч чўл кезиши керак, яшии йигит, — деди боғчи тарашадек озгин, новча йигит. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ТАРАШЛАМОҚ** 1) Кесмоқ, олмоқ, қирмоқ (соч, соқол, жун ва ш. к.ни). — Сиз, — деди Азмиддин, калта, сийрак соқолини пўрим тарашлаган Бўронбекка қараб.. Қомил билан бирга шу ердан чиқибок Раҳмонқул қароргоҳига жўнайсиз. Ҳ. Фулом, Машғал. Ун олти ёшидан бери соқол олдирадиган сер-

мўи Очил ҳозир уч кунда бир юзини тарашларди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2) Сидириб, қиртишлаб тозалармоқ, қирмоқ. **Пўстдумба тарашлармоқ.** Ариқларнинг бўйини тарашлаб тозалармоқ. | *кўйма* Қириб, шаллиб олиб ташлармоқ. Насибани аллақачон кўнглимдан тарашлаб ташлаганим учун ҳам индамай қўя қолардим. О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

3) Йўниб, қириб силлиқлармоқ, сайқал бермоқ, йўнмоқ. Тош тарашлармоқ. — Йигит қўлидаги қаламни тарашларкан, кўнелидаги бор гапни тўйиб солди. М. Назаров, Қачон тилинг чиқади. Сурамага қараб дўстимнинг ҳайқалини тарашлашга тушдим. Ҳ. Назир, Ҳайқал.

**ТАРАШЛАНМОҚ** тарашлармоқ фл. мажҳ. н. [Норматнинг] соч-соқоли тарашланган. Ф. Насриддинов, Ҳаётга қайттиш. Бу ерда ҳар битта тарашланган тош Юксак умидлардан беради хабар. Ф. Фулом, У, қирғоқлари яхшилаб тарашланган ариқдан чакқон ўтиб, селяка чигит ташлаб кетган қаторга энгаиди. С. Маҳкамов, Шогирд.

**ТАРАШЛАТМОҚ** тарашлармоқ фл. орт. н. Тошни тарашлатмоқ. — Унинг эғидида янги костюм, сочларини пўхта тарашлатган, кўзи бўлса сабрсиз жовдирар, ёнар эди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ТАРАШЛОВЧИ** тарашлармоқ фл. иш. оти. Тош тарашловчи.

**ТАРАҚ** тақл. с. Икки қуруқ нарсанинг бир-бирига қаттиқ урилишидан чиққан овоз ҳақида. Шу вақт бир эшик тарақ этиб очилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Бозори тарақ** бозори чаққон, савдо-сотик авжида. — Пичогимиз мой устида денг! Қасод бўлиб қолган бозоримиз яна тарақ бўлар экан-да! — деди қавушдўз ака Наврўзга. М. Осим, Элчилар. **Иши тарақ** иши йирик, иши юришган, авжида. **Битта-яримтаси ваҳималироқ** бир гап эшитдим, дарров мол нархини оширадилар. Уруш баҳона бўлди уларга. Бизнинг хўжайин-чи? **Иши тарақ!** Ойбек, Қутлуғ қон. **Кайфи тарақ** кайфи баланд, қаттиқ маст. **Кайфи тарақ** Тантубойвачча Салимни юпатиш учун ичкиликни мўл ичирди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Домоғлар чоғ, кайфлар тарақ, ҳамма шод..** Берди чолни қилар эди Эргаш ёд. М. Алабия.

**ТАРАҚ(А)-ТУРУҚ** тарақ с. тақр. Хон накарлари билан оломон бир-бирига аралашиб тарақ-туруқлар, қилларнинг жаранги, отларнинг кишини дашт сукунатини бузиб юборди. Мирмуҳсин, Чўри. **Эшик тарақ-туруқ** очилиб, кўн этгини дўқиллатганча акиси Мўмин кириб келди. Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар.

**ТАРАҚЛАМОҚ** «Тарақ-тарақ» товуш чиқармоқ, кучли тақилламоқ. *Кўча* томондан бир нарса тарақлади. Аёл қўлидаги қошиқни қўйди-да, югу-



риб дераза олдиға-борди. С. Зуннунова, Гулхан. Эшик тарақлаб очилиб, кимдир Мунаварни қучоқлади. С. Анорбоев, Мехр.

◆ **Иш(и) тарақлаб** иш(и) юришиб кетди, ривожланди, авж олди.— *Иш тарақлаб, пул кўпайгандан кейин, бир варақай ички-ташқи дағиллама иморат соламан,— деди-да, ёмонгина ҳовлини ижарага олди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ТАРАҚЛАТМОҚ тарақламоқ** *фл. орт. н. Мирҳосил вишиқни тарақлатиб ёпиб, хонадан чиқиб кетганидан кейин ҳам Ашуралли ўтирган еридан қимирламади. Х. Ғулум, Сенга интиланман.*

◆ **Ишни тарақлатмоқ** ишни юриштириб юбормоқ, авж олдирмоқ.

**ТАРАҚ-ТАРАҚ тарақ с. такр.**

**ТАРАҚ-ТУРУҚ** қ. тарақ(а)-туруқ.

**ТАРАҚҚИЁТ** [а] Юксалиш, ривожланиш процессида юқори даражага кўтариллиш; прогресс. *Тарихий тараққиёт. Техника тараққиёти. Кишилик жамиятининг тараққиёт босқичлари. Фан ва маданиятнинг тараққиёт даражаси. — Коммунизмга қараб борадиган тараққиёт пролетариат диктатураси орқали боради. В. И. Ленин, Давлат ва революция.*

**ТАРАҚҚИЙ** [а]: **тараққий қилмоқ** (ёки этмоқ, топмоқ) ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ; мукамаллашмоқ. *Фан ва техника тез сўрғатлар билан тараққий қилмоқда. Маданият ва санъат мисли кўрилмаган даражада тараққий топди.*

**ТАРАҚҚИЙЛАШМОҚ** Тараққий топмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ. *Ўзбек маданияти тараққийлашди. Қишлоқ ҳўжалик техникаси тараққийлашмоқда.*

**ТАРАҚҚИЙПАРВАР** [а+ф+т] Тараққиёт тарафдори, тараққиёт учун, жамиятнинг олға қараб юксалиши учун курашувчи; прогрессив. *Тараққийпарвар ёзувчи. Тараққийпарвар инсоният.*

**ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛИК** тараққийпарвар с. белги оти. *Сўз умуман Қосимжон бойвачча тўғрисида кетди, унинг иш билармонилиги, тараққийпарварлиги айтилди. А. Қахҳор, Миллатчилар.*

**ТАРАҚҚОС** [а] 1 айн. кумой.

2 кўйма Жуда хунук, таъвия. **Таъвияий тараққос** айн. таъвия-тараққос.

◆ **Тараққос бойламоқ фольк.** гинжинглаб турмоқ (от хақида); ноз-нишва қилмоқ. *Ғирот Авазни кўриб, учадиган қушдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди. «Балогардон».*

**ТАРАХХУМ** [а]: **тараххум этмоқ** (ёки қилмоқ, айламоқ) кт. раҳм, шафқат қилмоқ. *Айлаб тараххум ҳолима кўп, эй жафокор, ўртама. Ж. Шарипов, Хоразм. Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараххум айласун ул шўйи жонон бир келиб кетсун. Ҳамза.*

**ТАРБИЯ** [а] 1 Болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик. *Интернат тарбиясида ўсган бола. — Абдураҳмон.. отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қиз ўн олти ёшгача бу оилада, музика муаллими бўлган камбағал амакининг тарбиясида ўрди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Иш-хунар, одоб-ахлоқ ўргатишга ва умуман кишининг гоъвий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим системаси. *Сийсий тарбия. Гоъвий тарбия. Мактаб тарбияси. | Шундай таълим системаси натижасида сингдирилган хислат, фазилат, одоб-ахлоқ. Тарбияси бузуқ одам. Тарбияси яхши бола. Тарбия олмоқ (ёки кўрмоқ, топмоқ) кимсанинг тарбиясини сингдирмоқ; кимса томонидан тарбияланмоқ, ўрганмоқ. Мен акамдан тарбия олдим. — Ота-онасидан яхши тарбия кўрган — одобли, ақлли қизлар шунча бўлади, ўзини дарров кўрсата қолмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Парвариш, қаров. **Тарбия қилмоқ** (ёки бермоқ) 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтмоқ. *Ун бир ёшлик Темир, тўққиз ёшлик Қобил ва Анварларни тарбия қилиш оғирлиги Нодиранинг устига тушди. А. Қодирий, Мехробдан чаён; 2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатиш, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ. Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат! М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) парвариш қилмоқ. Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўққисанг арзийди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

◆ **Бадан тарбия** эск. айн. физкультура.

**ТАРБИЯВИЙ** [а] Тарбияга оид; тарбия учун хизмат қиладиган. *Тарбиявий ишлар. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар.*

**ТАРБИЯЛАМОҚ** 1 Боқиб ва таълим бериб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ. *Ун бир болани тарбиялаган она. — Раҳмат она, Ботиралидек ўғилни туққанингиз, тарбиялаб ўстирганингиз учун раҳмат! Х. Ғулум, Машъал. Орлов деган бир мастер Доим ювиб-тараб тарбиялар, Уғлидай мени эркалаб. Ғайратий.*

2 Илм-хунар бериб, одоб-ахлоқ ўргатиб етиштирмоқ. *Мактабимиз тарбиялаган болалардан кўп олимлар етишиб чиқди.*

3 Систематик тарзда таъсир кўрсатиб гоъвий ва маънавий жиҳатдан бирор тарзда шакллантирмоқ, етиштирмоқ. *Еш авлодни коммунистик руҳда тарбияламоқ. — ВЛКСМ Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида ёшларни қийинчиликлардан кўрқмайдиған, ўз кучларига ишонған.. ки-*

ишлар қилиб тарбиялайди. «ВЛКСМ Устави».

4 Парвариш қилмоқ. *Бу кўчатларни ўзимиз тарбияладик.*

**ТАРБИЯЛАНМОҚ** тарбияламоқ *фл. мажҳ. ва ўзл. н. Интернетда тарбияланган бола. — Мен сизларнинг сўяларингизда тарбияландим. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ТАРБИЯЛАНУВЧИ** 1 тарбияланмоқ *фл. ш. оти.*

2 Тарбия олувчи; ўқувчи.

**ТАРБИЯЛАШ** тарбияламоқ *фл. иш оти. Бола тарбиялаш. — Область комитети.. коммунистларни камчиликларга нисбатан шифқатсиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни таъмин этади. «ҚПСС Устави».*

**ТАРБИЯЛИ** Тарбияланган, яхши тарбия олган, одоб-ахлоқли. *Тарбияли бола.*

**ТАРБИЯЛОВЧИ** 1 тарбияламоқ *фл. ш. оти.*

2 Тарбиячи, мураббий.

**ТАРБИЯСИЗ** Тарбия олмаган, ахлоқсиз. *Тарбиясиз бола. — Тарбиясизнинг бир қилиғи ортиқ, деган мақол бор. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ТАРБИЯСИЗЛИК** тарбиясиз с. белги оти.

**ТАРБИЯТ** [а] эск. кт. айн. тарбия 1. *Ким кучук бирлан ҳўтукка Қанча қилса тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, Аслоки бўлмас одами. Уйғун ва И. Султон, Навоий. — Мен Ўмирбойниқиди бир ҳафтагача ётдим. Бечоралар жуда тарбият қилишди,— деди чол. О. Ҳусанов, Чўлда.*

**ТАРБИЯЧИ** Тарбия берувчи, муаллим, мураббий. *Богча тарбиячиси. || Тарбиячи аёл. — Унинг гурур тўла кўзлари.. устозларига тикилар, ота ўрнида оталик қилган ҳўрматли Давроновга, жонкуяр тарбиячи Нафисахонимга чин қалбидан миннатдорлик билдиргиси келар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ТАРВАЙМОҚ** Ёйлиб, ялпайиб ётмоқ; керилмоқ; тарвақайламоқ. *Кундузи билан қурбақадек тарвайиб, узун теракнинг қоқ тепасида турган катта булут парчаси киши таъбини хира қиларди. Ибохон, Улуғ кун. Элмурод Абдурасулнинг ёнига ўтиб, оёқлари тарвайган «эшакнинг бир четига ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ТАРВАЙТИРМОҚ** тарваймоқ *фл. орт. н.*

**ТАРВАҚАЙЛАМОҚ** Ёйлиб, ҳар томонга шох отиб кетмоқ (дарахт ҳақида). *Ҳар ёққа тарвақайлаб ўсган бесўнақай, қари толларнинг кўланкаси қуқоқ. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳар томонга қараб чўзилмоқ. Мешдай қаппайган қорни юганида ҳам силкнап, тирсиллаб турган оппоқ елини сонларига шалоп-шалоп урилар, ўрта қўлдай йўғон-йўғон тарвақайлаб кетган эммақларидан йўл-йўлақай сут тиз-тиз тирққарди. С. Анорбоев, Оқсой. | Ялпаймоқ; лапанаймоқ. Синфга узун малла тўн, кўк духоба дўппи*

кийган, қип-қизил юзли, ўрта бўйли бир киши тарвақайлаб кириб келди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Катта, кенг очилмоқ, керилмоқ. Раҳимнинг оғзи тарвақайлаб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ТАРВАҚАЙЛАНМОҚ тарвақайламоқ** фл. ўзл. н. Унинг тарвақайланган қўпол, яланғоч шохлари ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига етади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАРВАҚАЙЛАТМОҚ тарвақайламоқ** фл. орт. н. Оқ ёстиқдай катта елинини тарвақайлатиб, эринчоқлик билан кавш қайтарайтган ола сигир ўрнидан аранг турди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ТАРВУЗ** Палак отиб ўсадиган бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейладиган юмалоқ, қизил гўшти, серсув ҳосили. Тарвуз уруғи. — Уроз қаердандир катта тарвуз келтириб ўртага қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон. Поезд билан баравар фарбага кетаётган қўшини сафари тезлашди ва у кесилган қизил тарвуз паласидек ўрмон дахатларига илиниб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Тарвузи қўлтигидан тушди** умиди пучга чиқди; ҳафсаласи пир бўлди. Дафндан сўнг тўй бир йилсиз бўлмаслигини эшитиб, қари кўёв тарвузи қўлтигидан тушди, қишлоғига хомиш қайтиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАРЕЛКА** [р<нем] Ясси, юза идиш; ликопча. Чинни тарелка. Бир тарелка ҳолвайтар. — Ҳужумга кўчмай умри қисқа бўлсин, — деди она нафратланиб ва даҳлизга чиқди. Ниманидир тарелкага уриб олди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТАРЖИМА** [а] Бирор тилдан иккинчи бир тилга ағдарилган текст. Эркин таржима. Сўзма-сўз таржима. Адабий таржима. Таржима назарияси. Таржима қилмоқ (этноқ). || Таржима асар. — Болалардан русчани сал-пал тушунадиганлари бошқаларига таржима қилиб беришди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Ҳоким нима гаплигини сўраган эди, Тешабой таржима қилиб берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Таржимаи ҳол** кишининг ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган баён; автобиография. Шоирнинг таржимаи ҳоли. Таржимаи ҳол ёзмоқ. — Абдукарим ака Ботирали қаршисида маънос ўтириб, қутилмаганда ўз таржимаи ҳолини сўзлаб кетди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ТАРЖИМАШУНОС** [а+ф-т] Таржима назариясини, унинг қонун-қондаларини ўрганувчи мутахассис, олим.

**ТАРЖИМАШУНОСЛИК** Таржима назарияси билан шуғулланувчи фан. Ойбекнинг таржима соҳасидаги катта фаолиятини ўрганиш, ўсиб келаётган таржимашунослик фанининг актуал вазифаларидан биридир. Ж. Шарипов, Моҳир таржимон.

**ТАРЖИМАЧИ** кам қўлл. айн. таржимон.

**ТАРЖИМАЧИЛИК таржимачи с. касб оти.**

**ТАРЖИМОН** [а] Таржима қилувчи киши; тилмоқ. Моҳир таржимон. — Мен билан сўзлашишингиз учун таржимон ҳам керакдир ҳали? П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАРЖИМОНЛИК таржимон с. касб оти.** Адабий таржимонлик. Таржимонлик қилмоқ.

**ТАРЗ** [а] 1 Шакл, тахлит; кўриниш. Мақолаларни тўплам тарзида нашр этмоқ. — Қўрғонда шаҳар уйлари тарзида солинган.. бир уй, бир айвон Ҳакимбойваччаники эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Усул, равиш. Шу тарзда. Ҳазил-мутойиба тарзида. — Олахўжа.. ғайирликни ифодаладиган бир тарзда кулимсираб қассобга қаради. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Сўхбат мулла Обиднинг ишчан руҳига мувофиқ тарзда бошланди. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 диал. Юз, чехра. Сен эшитгин очор қулинг арзини.. Олмадай сўлдириб гулдай тарзини. «Шрин билан Шакар». Тарзинга қарайман, нодон боласан. «Равшан».

**ТАРИЛЛАМОҚ** «Тар» этган овоз чиқармоқ (тартарак, пулемёт ва ш. к.нинг овози ҳақида). Мотоцикл тариллаб биздан узоқлашди. — Содиқ сакраб «универсалга минди, моторни тариллатиб, ишида давом этди. И. Раҳим, Ихлос. Олдинги линиядан ахён-ахёнда автомат ва пулемётнинг тариллагани эшитилар эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ТАРИФ** [р<фр<а] Олинадиган ёки тўланадиган ҳақ-баҳолар кўрсаткичи, баҳо. Имтиёзли тариф. Почта тарифи. Тариф жадвали. Тариф бўйича ҳақ тўламоқ.

**ТАРИХ** [а] 1 Ижтимоий тараққиёт процессида юзага келган воқелик, ҳаёт. Тарих диалектикаси. Тарих қонунлари. — Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ватанимиз халқлари тарихида, шу жумладан ўзбек халқи тарихида ва бутун дунё тарихида янги давр очди. «Ўзбек совет адабиёти тарихи».

2 Ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуи; ўтмиш, кечмиш. Фақат уч туп қайрағочгина кўҳна тарих нишонаси бўлиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. | Ўтмиш ва умуман муҳим воқеа-ҳодиса, улуғ зот ва ш. к. ҳақида сақланган хотиралар. Тарихга кирган воқеа. Ёзувачининг хотираси тарихда адабий сақланади.

3 Бирор воқеа-ҳодисанинг, нарсанинг изчил тараққиёт йўли. Савдо муносабатлари тарихи. Завод тарихи. | Бирор кимсанинг ҳаётини йўли. Ёзувачининг тарихи. | Бошдан кечирилган воқеалар, саргузаштлар. Сизга Мадамин тўғрисида маълумот керакми? Мадаминнинг тарихини Юсвади тоғам яхшироқ билади. П. Турсун,

Ҳўқитувчи. Шунинг учун сўзимни ўзимнинг охири ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Жамият тараққиёти ҳақидаги фан. Янги тарих. Ўрта асрлар тарихи. Ўзбекистон тарихи. | Табиат, маданият ва умуман кишилик фаолиятининг айрим соҳалари тараққиёти ҳақидаги фан. Музика тарихи. Ёзувчилар тарихи.

5 Бирор ишнинг бажарилганлигини, бирор воқеа-ҳодисанинг қачон бўлиб ўтганлигини кўрсатувчи аниқ календарь вақт, сана. Қўл ёзманинг тарихини аниқламоқ. — Унг томондаи тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Маърифатхон жаннат макон» деб ёзилган ва ҳижрий билан «1335» деб тарих қўйилган эди. А. Қаҳхор, Хотинлар. Тарихида қараганда хатнинг ёзилганлигига ўн кунлар бор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Касаллик тарихи** касалнинг аҳоли ва унинг даволаниши ҳақида даволоччи врач томонидан тегишли маълумотлар ёзиб бориладиган варақ.

**ТАРИХАН** [а] рви Тарих тажрибаларини ҳисобга олганда, тарихга кўра, тарих тақозоси билан. Воқеаларни тарихан тўғри таҳлил этмоқ. — Қўнчилик аҳолини ўзига эргаштириб бора оладиган синф тарихан ғалаба қозонади. В. И. Ленин, РКП(б)нинг VIII Бутунроссия конференцияси.

**ТАРИХИЙ** [а] 1 Тарихда қоладиган, тарихга қирадиган; муҳим. Тарихий воқеа. Тарихий кун. — [Улуғ доҳий В. И. Ленин] Мирзачўл даштини эгалланг дея, Тарихий декретга чекканди имзо. Ҳайратий.

2 Тарих фанига оид, бирор соҳанинг тарихини ўрганадиган. Тарихий грамматика. Тарихий география.

3 Ўтмишга, тарихга оид, қадимги, кўҳна. Тарихий асар. Тарихий ёдгорлик. — Албатта, Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақли олимлари бўлган шубҳасиз. Уларнинг ишлари тарихий китоблардан маълум, — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАРИХИЙЛИК** 1 тарихий с. белги оти. Едгорликнинг тарихийлиги.

2 Ҳар бир нарса ёки ҳодисани уни юзага келтирган конкрет тарихий шароит билан узвий боғланишда текшириш ва баҳолашдан иборат диалектик принцип. Тарихийликка аҳамият бермоқ.

**ТАРИХЛИ** Қачон бажарилганлиги, қай вақтда бўлганлиги аниқ кўрсатилган, санаси ёзилган. Тарихли қўл ёзма. Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ҳақидаги 1924-йил 27-октябрь тарихли қарор.

**ТАРИХНАВИС** [а+ф-т] эск. Тарихни ёзиб борувчи, солномачи. Қиссагўйлар, тарихнавислар ача шу ерлар [чўллар] фожиаси, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кет-

маганлар. Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи.

**ТАРИХЧИ I** Тарих фани мутахассиси. тарих илми билан шуғуланувчи олим, тарихшунос. *Ўзбек тарихчилари.* || *Тарихчи олим.*

2 Тарих, солнома ёзувчи.

**ТАРИХШУНОС** [a+ф-т] айн. тарихчи 1.

**ТАРИХШУНОСЛИК I** тарихшунос с. касб оти.

2 Тарих илми.

**ТАРИҚ** Бошоқли ғалла ўсимлиги ва унинг оқлаб сўк қилинадиган майда дони. *Тариқ сепмоқ. Тариқ ўрмоқ.* — *Ҳе, чумчуқдан қўрққан тариқ эмас дейдилар,* — *Алиқул ингичка овоз билан луқма ташлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАРИҚА** [a] йўл, усул; тарз. *Ёшликда икковимизнинг кун кўриши тариқамиз, онгимиз бир эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. Унинг [Отабекнинг] сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу тариқа мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустақкам изга тушиб кетди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. **Қай** (ёки не) **тариқа** қай ҳолда, қандай қилиб. *Эсон шундай хаёллар билан уйга қай тариқа етиб келганини ҳам сезмади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ТАРИҚАСИДА** кўм. (б. к. билан) Бирор тарзда; сифатида. *Кечаги хабарларга кулги ва мазах тариқасида қараган шахар уламо, ашрафлари буқунги ҳақиқат олдида ҳар замон ёқа ушлаб: тавба, бу қандай бемазалик?.. дер эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Тўрахонов:] *Гулнорани мен гувоҳ тариқасида сақлаб турибман.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Олахўжа Мамасид билан гапни бир жойга қўйиб, жўнаш олдида унинг қўлига қаванс тариқасида беш минг сўм берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАРИҚДАЙ**, -дек Кичкина, озгина, тариқча. *Тариқдек олтин. Тариқдек мўймиё.*

**ТАРИҚЧА** рви (одатда инкор билдирувчи феъллар билан) Озгина ҳам, жиндай ҳам, тариқдай ҳам. *Тариқча ақли йўқ.* — [Маҳкам:] *Дадамда тариқча гуноҳ йўқ, тақсир.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Азар шу сўзларим ичида тариқча қаллоблиги бўлса, биланларинени қилинлар.* Ҳ. Назир, Ўтлар тугашганда. — *Тариқча инсоф борми сизда!* — *бўғилиб гапирди Уктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТАРК I** [a]: тарк этмоқ (ёки қилмоқ) 1) воз кечмоқ, барҳам бермоқ, ташламоқ. *Чекишни тарк этмоқ.* — *Танҳоликни абадий тарк эт.* Ҳур дўстларинг билан қадам бос! Зулфия; 2) ташлаб чиқиб кетмоқ, қолдириб кетмоқ. *Алишер Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга жўнамоққа мажбур бўлди.* Ойбек, Навоий. *Атрофда баҳор нафаси кезади, қишда бу ерларни тарк этган қўшлар яна учиб келишган, нодаларга қўниб чу-*

*ғуллашади.* С. Зуннунова, Гулхан. **Тарки дунё қилмоқ** мол-дунёдан, дунё ишларни, айш-ишрат ва маишатдан кечмоқ. *Аммо кейинчалик барча мулк-молларини худо йўлига сарфлаб, тарки дунё қилдилар.* Айний, Дохунда.

**ТАРК II** [ф-т] Букилган, қайтарилган жой; тах. *Дўпининг тарки.* Қалпоқнинг тарки. — *Ботир ака шошиб қолди шекилли, газетанинг таркини топиб очолмай, унинг бир чеккасини йиртиб ҳам қўйди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**ТАРКАШ** [ф-т] фольк. Тери ёки ёғочдан ясалган пёла ёки коса ғилофи. *Ғирот Авазни кўриб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб.. ўйнай берди.* «Балогардон».

**ТАРКИБ** [a] Маълум бир бутунликни ташкил этувчи қисмлар мажмуи; состав. *Сўзнинг морфологик таркиби.* Ҳарбий қўшилма таркиби. *Тўплам таркибига кирган мақолалар.* **Таркиб топмоқ** бўлақлардан, қисмлардан, элементлардан йиғилиб бир бутунликни ташкил этмоқ. *Сўз товушлардан таркиб топади.* *Қатта-кичик муваффақиятлар жам бўлиб, улкан ютуқлар таркиб топади.* | Химиявий бирикма, жисм ва ш. к.ларни ташкил этувчи моддалар мажмуи; состав. *Шишанинг таркиби.* Органик бирикмалар таркиби. — *Барча тирик организмларнинг таркибида сув бўлади.* «Дарвинизм асослари». Ҳар қандай тоза модда, касерда бўлишидан қатъий назар, ўзгармас таркибга эга бўлади. «Химия».

**ТАРКИБАН** [a] рви Таркиб жиҳатидан; составига кўра. *Моддаларни таркибдан тахлил қилмоқ.*

**ТАРКИБИЙ** [a] Маълум бир бутунликни ташкил этувчи, таркибига кирувчи. *Таркибий қисм.* — *Адабиёт иши социал-демократиянинг бир тартиб ва бир режада уюшган партиявий ишининг таркибий қисми бўлиши керак.* В. И. Ленин, Партия ташкилоти ва партия адабиёти.

**ТАРЛОН** Ола-тарғил, човқар. *Тарлон от.* — *Тарлон бови Болчиборнинг энаси Чибарнинг товушин тўқайда билди.* «Алломиш». | Шу тусдаги от. [Чоракор] *тарлонни миниб, учраган, кўринган кишидан Хидирбойни кўрган борми, деб сўраб кетаверди.* «Зулфизар билан Авазхон».

♦ **Тарлон очган ола тарғил бўлиб** бузилган, пес очган (бадан ҳақида). [Мастон] *мангайидан тарлон очган, икки чаккасининг гўшти қочган.. кампир эди.* «Хушкелди». **Ҳаёли тарлон бўлди диал.** *Ҳаёли қочди, ҳаёли парришон бўлди.* **Ҳаёли тарлон бўлиб,** ўзини ҳар ўйга солиб кетиб бораётир. «Равшан».

**ТАРМАШМОҚ** айн. тирмашмоқ. *Тармашиб дарахтга чиқмоқ.* — *Ана, опанг келди,* — *деди Муҳаммаджон, этагига тармашган болаларнинг бир-бир бошини силаб.* Н. Сафаров, Сул-

тон бўзчининг неваралари. *Юқоридан маймундай тармашиб, лип этиб пастга тушганини ҳеч ким пайқамати ҳам.* А. Мухтор, Туғилнар.

**ТАРМЕВА** (туғриси тар мева) қ. тар I.

**ТАРМОҚ I** Бутоқ, шох. *Дарахт тармоқлари.*

2 Асосий йўл, оқим ва ш. к.дан бўлиниб, ажралиб чиққан қисм; шохча. *Темир йўл тармоқлари.* *Дарё тармоғи.* — *Бу пастак тоғ Федченко музлик тоғларининг тармоқларидан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан музлик тоғ деб аталарди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

3 Асосий ташкилот ёки бирланма шохобчаси. *Саавдо тармоқлари.* *Маориф тармоқлари.* **Тармоқ ёймоқ** (ёки отмоқ) 1) шохламоқ; 2) тармоқларга бўлиниб кенг ривож олмақ, тармоқланмоқ. *Сибсий-оқартув ишлари кенг тармоқ ёймоқда.* — *Тез тармоқ ёймоқда бўлган маориф — сон-саноксиз мактаблар, интернатлар, катталар учун кечки курслар бир оз бўлса ҳам ўқиган одамларга муҳтож эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Фан-техника, қишлоқ хўжалиги ва ш. к.нинг бирор бўлими; соҳа. *Хўжалиқнинг муҳим тармоқлари.* *Фан ва техника тармоқлари.*

**ТАРМОҚЛАМОҚ I** Тармоқ отмоқ, шохламоқ. *Дарахт тармоқлади.*

2 Кенг тармоқ отиб ривожланмоқ. *Тармоқлаган хўжалиқлари.*

**ТАРМОҚЛАНМОҚ** тармоқламоқ фл. йўл. н. айн. тармоқламоқ. *Тармоқланган канал.* *Кенг тармоқланган соҳа.*

**ТАРМОҚЛИ** Тармоқлари, шохчалари бўлган, тармоқланган. *Қўп тармоқли ташкилот.* — *Унинг [графининг] таъбирича қўп тармоқли колхоз хўжалиги катта ҳаёт мактабидир.* Туйғун, Йиллар ва кишилар.

**ТАРНОВ** [ф-т] Сув, суюқлик оқиб ўтиши учун металл ёки ёғочдан ясалган нов, труба ёки ариқча. *Тунука тарнов.* *Ёғоч тарнов.* *Тарнов лсамоқ.* — *Мўриларда жон сақлаган мусичалар кукулаб тарновларга қўниб олишиди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жимжит хонада тарновлардан тушайтган сувнинг шитирлаши.. эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ТАРНОВДАЙ**, -дек Баланд бўйли, узун, дароз. *Эшикдан тарновдек бир одам кириб келди.*

**ТАРНОВЧЎП** [ф-т] махс. Тиззага қўйиб устида чок тикиладиган тарновчасимон косибчилик асбоби.

**ТАРОВАТ** [a] кт. Чирой, хусн, ёшлик латофати; тозалик. *Жонли рангалари тароватини унча йўқатмаган катта гулзор теварагида аста айланар эди Қомилла.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Шу сўзни айтганда, етё жазонинг Хусун таровати минг қарра ортди.* Уйғун. *Ҳали ҳам унинг [Зумраднинг] қомаги ўшандай нозик, аллақандай ёшлик тароватини уфуриб турарди.* С. Аҳмад, Зумрад.

**ТАРОВАТЛИ** Чиройли, гўзал; латиф. *Уйинчи ёш қиз каби тароватли, келинчак каби кўркам, ёр каби дилбар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Оромбахш, файзли. *Тонгенига тароватли шамоли бир нафасгина гўдаклик йилларини қайтарар эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ТАРОВИҲ** [a] *дин.* Рўза кунлари кечки, охириги намоздан кейин ўқилган қўшимча намоз. *Афанди.. ифтордан кейин мачитга таровиҳ ўқигани кетди.* «Латифалар». *Отабек.. туриб таҳорат олди ва меҳмонхонага кириб таровиҳ бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАРОЗИ** [ф-т] Оғирлик ўлчаш асбоби. *Тарози палласи. Тарозиди тортмоқ. Тарозидан урмоқ.* — *Мамарайим афанди камбағаллардан юлиб, тарозидан уриб қолган бўлса, ўғриликни у зиҳор ўзи учун эмас, йўқ, хўжайин учун қилаётганини.. билар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ақл тарозиси билан тортмоқ** ақл билан баҳоламоқ. *Кейин дадамнинг аҳволини ўйлаб, ақл тарозиси билан тортиб кўриб, тақдирга рози бўлдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**Тарози босадиган** 1) салмоқли, салмоқдор, вазни. *Тарози босадиган мол;* 2) *кўчма* асосли, жиддий. *Тарози босадиган далиллар. Тарозига солмоқ* 1) тортиш учун тарозига қўймоқ; 2) *кўчма* фактларни бир-бирига таққослаб, солиштириб, ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрмоқ. *Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, пучми ёки тош босадими, дарров маълум бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) *кўчма* ўзини ёки ўз ишини пеш қилмоқ, ўзига ёки ўз ишига ортиқ баҳо бериб савдолашмоқ; 4) *кўчма* ортиқ мақтамоқ. — *Ҳа деб уни [қизни] тарозига сола берманг, худо урди кетди.*— *деди совчи.* С. Абдуқаҳҳор, Саманай саккиз дема.

**ТАРОЗИБОН** [ф-т] Тарозиди тортувчи, тарозиди тортиш ишини бажарувчи. *Кекса тарозибон келтирилган пахталарни тортмоқда.* Туйғун, Бригадир.

**ТАРОЗИБОНЛИК** тарозибон с. касб оти.

**ТАРОЗУ** *айн.* тарози. *Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тош, тарозу.* Мақол.

**ТАРОНА** [ф-т] 1) Куй, оҳанг. *Ҳар бир уйда шодиёна тарона, Тўкин-сочин ўртада кенг дастурхон.* Ҳабибий. *Ашула оҳангидаги ране-баранге тароналар Ғулмонлар ҳаяжонига пайванд бўлиб оқар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Буеун металл заводи қурувчиларининг руҳларида фавқулодда шодлик, юракларида дунё-дунё севинч тароналари.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. **Тарона қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) куйламоқ. *Аноргулнинг қўлидаги дутор, «ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қилди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) *кўчма* мадх этмоқ. *Куйла сазим, юрагим, шеърим Бахт китобин қилгил тарона.* Ғайратий.

2 Шашмақомда музика асарининг бир қисми. *Таронаи дугоҳ.*

**ТАРОҚ** 1 Соч, соқол тараш учун ишлатиладиган ёғоч, металл, суяк ва ш. к.дан ясалган тишли буюм. *Шамшод тароқ. Темир тароқ. Майда тишли тароқ.*

2 Матога босиладиган шу нусхадаги нақш, тарам-тарам гул. *Жоноқи олмаларнинг икки бетидоғи нақш Марғилон атласининг майда тароқларини эслатади.* С. Акбарий, Шодлик давоми. **Тароқ нусха ёки тароқ нақшли** тароққа ўхшаш тарам-тарам гулли. *У тахминан 25 ёшларда бўлиб, бошида.. оқ салла, зғида тароқ нақшли адрас тўн, оёғида хром этик.* Айний, Дохунда.

3 *тех.* Станок, мослама ва ш. к.нинг нарсаларни тараш ёки титиш учун хизмат қиладиган қисми. *Йегирув станогининг тароғи.* — *Бу ернинг бола-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи — арқоқ билан тароғу, найча билан моки.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Ойнами тароқ?** қ. ойна.

**ТАРОҚЛАМОҚ** кам қўлл. *айн.* тарамоқ.

**ТАРОҚЛАНМОҚ** тароқламоқ *фл. мажҳ. н.* Ишга тушганлар тароқланган ипақдек саф чекиб, *Бу ўриш-арқоқ каби сафларга, сафдошларга боқ.* Ҳабибий.

**ТАРОҚЧИ** Тароқ ясовчи уста. *Бешикчилар, тароқчилар, дукчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овқатлантириши «бахт» деб билар эдилар.* Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ТАРОҚЧИЛИК** 1 тароқчи с. касб оти. *Тароқчилик қилмоқ.*

2 Бозорда тароқ ясаб сотувчи дўконлар қатори, растаси.

**ТАРР** тақл. с. Газмол йиртилганда, тартарак тариллаганда чиқадиган ва шунга ўхшаш овоз ҳақида. *Яттак тарр этиб йиртилди.* — *Рўпарадаги уйнинг томидан «тарр» этган товуш эшитилди.* Қизил аскар зинага йиқилди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТАРРА** 1 диал. Таррак.

2 Қовун, узум каби ширали меваларни кўп истеъмол қилгандан кейинги ланжлик, лоҳаслик ҳолати. **Тарраси тутади** кишини ланж, лоҳас қилади. *Ҳатиб домлани қовуннинг тарраси тута бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қабоб билан иш битадим, ишўрасини ичмасанг, тарраси тутушини бор.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ТАРРАК** Палак отиб ўсадиган поллиз экинни ва унинг бодрингдан кўра йирик куврак ҳосили. **Тарракча** маза йўқ бемаза ёки бемазмун нарса ҳақида. *Маддоҳнинг гапларидан музлаган тарракча маза тополганим йўқ.* Ғ. Ғуллом, Шум бола. **Таррак бурун(ли)** бурни катта. *Ичкаридан аврасиз пўстин кийган таррак бурунли, қип-қизил одам чиқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

◆ **Тарракдек қотмоқ** қаттиқ ухлаб қолмоқ.

**ТАРС** тақл. с. Таранг ёки қаттиқ нарса ёрилганда, синганда ёки урилганда чиқадиган овоз ҳақида. *Қовун тарс ёрилди.* *У эшикни тарс этиб ёнди.* — *Ҳасан ақанинг чаккасига ҳам бир нима «тарс» этиб тегди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. *Эҳ, Акрам тиззасига «тарс» эткизиб урди-да, креслодан сапчиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Тилни тарс ёради** шираси ўткир, жуда ширин.

**ТАРСАЙМОҚ** диал. Бақраймоқ, безраймоқ.

**ТАРСАКИ** [ф-т] Очiq кафт билан берилган зарб, шапалоқ. *Тарсаки (билан) урмоқ. Тарсаки емоқ. Тарсаки солмоқ.* — *Бек Лағлининг у юзи-бу юзига тарсаки қўйиб юборди.* Х. Ғуллом, Машғал.

**ТАРСАКИЛАМОҚ** 1 Кетма-кет тарсаки урмоқ.

2 *кўчма* Оғзига урмоқ, гапиртирмаслик. *Мажлис чақирай деса, пул топайлик дедингиз; пулдан гапиргани тарсакилаб турибсиз.* И. Раҳим, Ҳилола.

**ТАРСИЛЛАМОҚ** «Тарс» этган овоз чиқармоқ. *Эшик тарсиллаб очилди.* *Қовун тарсиллаб ёрилди.*

**ТАРСИЛЛАТМОҚ** тарсилламоқ *фл. орт. н.* Отни тарсиллатиб қамчи билан урмоқ. *Тарсиллатиб ўқ узмоқ.* — [Тора] эшикни тарсиллатиб ёнди-да, айвонда хотинига шовқинлаб гапира бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАРСО** [ф-т] *дин.* Ғайридин, кофир. *Бутхоналар ичра тарсо кўрмдан сен каби санамни.* Амирий.

**ТАРС-ТАРС** тарс с. тақр. *Шу пайт қиз тарс-тарс шапалоқ урса, балки энгил тортарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Богдаги олмалар карсиллайди, анорлар терисига сиғмай тарс-тарс ёрилади.* Ё. Шукуров, Уч савол.

**ТАРС-ТУРС** тарс с. тақр. *Башират, «эсиз одамгарчилик» дегандек, унга [эрига] бир ўқрайиб қаради-ю, тарс-турс юриб, ҳовлидан чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Муллажон. *Тарвузи қўлтиғидан тушган Тунқотар.. тарс-турс кўчага чиқди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТАРТАРАК** Қаттиқ тариллаб овоз чиқарадиган парракли ёғоч асбоб (асосан боғ кўришда ишлатилади). *Тартарак чалиб боғ кўримоқ.* — *Чол тартарагини қўлтиғига қисиб, сўйилга сунянанича индамай туриб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўқ, узиламас, варрак учар кўкда ҳайқириб, Гўё олам бобонига бўлиб тартарак.* Ғ. Ғуллом.

**ТАРТИБ** [a] 1 Иш-ҳаракат, тадбир-чора ва ш. к.нинг амалга ошувида рию қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва шу қонун-қондаларга жавоб берадиган ҳолат. *Пенсия белгилаш тартиби.* *Овоз бериш тартиби.* *Янгина тўй тартиби.* — [Заргаров:] *Мажлисда тартиб бўлиши керак!*.. [Пўлатжон домла:] *Буеунги мажлисининг тартиби шунақа.*

А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. | Интизом. Мактабнинг ички тартиби. ■ Оймахон столни тақиллатиб Тожибойни тартибга чакирди. П. Турсун, Уқитувчи. **Кун тартиби** 1) мажлисда муҳокамага қўйиладиган масалалар. Провидиумга правление аъзолари чиқди.. мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибини эълон қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) кўчма навбатда турган вазифа. Мен бу билан дамба масаласини кун тартибидан чиқариб ташлаши керак демоқчи эмасман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Нарсаларнинг жойлаштиридаги изчиллик, саранжом-саришталлик. *Уйда ҳеч тартиб йўқ, ҳамма нарса остин-устун. Ишни тартибга солмоқ. Колхоз хўжалигини тартибга солмоқ.* — У... тоқчалардаги чойнак-пиёла, патнис, ликопларни тартиби билан терди. Х. Фулом, Машъал. *Фуломжон дастлабки кундан тартиб мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. [Хоким:] *Камчингиздан қон томмас экан, тартиб ўрнатолмайсиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. Яқиндагина келтирилган вагончаларда тартиб ўрнатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. У даҳшатли қуёндан ярим-ёрти саломат қолган пароканда қарвонни тартибга солди. Ойбек, Куёш қораймас. *Йигитлар.. терларини артиб, чангаларини қоқишиб, ўзларини тартибга солиб олдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Сира, қатор. *Хронологик тартиб. Алфавит тартиби.* — Элмурод ҳаяжон ичида залнинг у бурчидан-бу бурчига кезаркан, ўз навбатини кутди. Ҳарф тартибига мувофиқ унинг номи рўйхатнинг пастроғида. П. Турсун, Уқитувчи. Асад қори тахтадаги ёзувни тартиби билан ўқий бошлади. М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 Йўл, усул, система. *Марказлашган тартибдаги таъминот.* — Механика заводлари қурилганга қадар эски тартибда дегрезлик қорхонаси ишларди. Ойдин, Бечора.

◆ **Тартиб сон** грам. қатор, сира билдирувчи сон, мас. бешинчи синф, саккизинчи хона. **Тартиб бермоқ** (ёки қилмоқ) тузмоқ. *Девон тартиб қилмоқ.*

**ТАРТИБЛАМОҚ** кам қўлл. 1 Тартибга, системага солмоқ.

2 Тартиб қилмоқ, тузмоқ.

**ТАРТИБЛАНМОҚ** тартибламоқ фл. мажх. н.

**ТАРТИБЛИ** 1 Маълум тартиб, қонун-қонда талабларига жавоб берадиган. *Тартибли иш. Тартибли уй. Тартибли қорхона.* | Изчил, батартиб. *Тартибли баён.*

2 Тартиб-интизомга бўйсунадиган, интизомли. *Тартибли ўқувчи.* — Пионер тақилоти.. пионерлар ва ўқувчиларни тартибли бўлиш, катталарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши керак. «ВЛКСМ Устави».

**ТАРТИБОТ** [а] айн. тартиб. Санатория тартиботи. Қўшин тартиботи. — [Бобомирза] оиланинг.. ақлли

кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмади.. эди. И. Раҳим, Тақдир. *Буржуа жамиятида сиёсий озодлик ва демократик республика учун кураш буржуа тартиботларини ағдарувчи социал революция учун курашнинг зарур даврларидан биридир.* В. И. Ленин, Самодержавие ва пролетариат.

**ТАРТИБСИЗ** 1 Маълум тартиб, қонун-қонда талабларига жавоб бермайдиган; бетартиб. *Тартибсиз иш.* | Тартибга солинмаган; айқаш-уйқаш, бесаранжом. *Отабек уйга кирганда, ёстиқ бетини тартибсиз соч ўримлари билан чулғатиб, Қумуш ухлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Катта уйда.. ҳар хил асбоб идишлар тартибсиз қалашиб ётар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Изчил боғланмаган ёки жойлашмаган; бетартиб. *Ёрмат ҳамма нарсани, тартибсиз бўлса ҳам, лекин муфассал айтиб берди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бу ерда гуёҳ ҳам қолмабди. Фақат мол туюқларининг тартибсиз изларигина кўринади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Интизомсиз, бетартиб. *Тартибсиз бола.*

**ТАРТИБСИЗЛАНМОҚ** кам қўлл. Бетартиб ҳолга келмоқ, бетартиб бўлмоқ.

**ТАРТИБСИЗЛАШМОҚ** Тобора тартибсиз бўлиб бормоқ.

**ТАРТИБСИЗЛИК** 1 тартибсиз с. белги оти.

2 Тартибсиз ҳолат, ҳаракат. *Тартибсизлик қилмоқ. Тартибсизликка қарши курашмоқ.* — *Орада сўкиш, тартибсизлик, жанжал қўзғалади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАРХАШЛИК** Ўжарлик, қайсарлик, терслик. *Тархашлик қилмоқ.* — *Ҳа деганда иш юришавермади. Маҳкам Мусавв бунни Эрашевнинг тархашлигини билди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ТАРЯК** [ф-т<а] Кўкнорнинг думбул бошқоқ ширасидан қуритиб тайёрланадиган қаттиқ маст қилувчи модда; афюн.

**ТАРҚАЛИШМОҚ** тарқалмоқ 1 фл. бирг. н. Кечга яқин меҳмонлар тарқалишди. — *Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАРҚАЛМОҚ** 1 Бир ўридан, бир тўпдан турли томонга қараб йўналмоқ, кетмоқ. *Меҳмонлар тарқалди. Қўйлар ҳар томонга тарқалди.* — *Отабек эшикдан чиққанда, Содиқни кўриб келган кишилар қурвон ўқиб тарқалмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёйилмоқ, сочилмоқ. *Муаттар ҳид бутун уйга тарқалди.* — *Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди. Йўлчи нафасини ростлаш учун эшикка чиқди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Булар — булутлар, Эъвозхон! Шу булутлар тунда йиғилиб, кундуз тарқалиб ту-*

рибди. Х. Фулом, Машъал. | *Оғиздан-оғизга ўтмоқ, таралмоқ. Ўзбек пахтакорининг шухрати бутун оламга тарқалди.* — *Емон гап дарвос тарқалади, иним.* Х. Фулом, Машъал. *Онахонни тор кўчада номаълум одам пичоқлаб кетипти, деган шум хабар азонгача ҳамма ерга тарқалди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Янтрамоқ. У [гадой] «*ҳақ дўст ё олло*», дейди. *Овози атрофга йиғи каби тарқалади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бузилмоқ; тўс-тўс, пароканда бўлмоқ. *Кенгашили тўй тарқалмас.* Мақол.

4 Кўчма Бошдан, кўнгилдан чиқмоқ, тарқамоқ, кетмоқ, йўқолмоқ. *Бош устида тутун тарқалар, гўё тутун эмас, аста-секин ҳасрат тарқалар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг [Мадамнинг] ичиб келганини олдин пайқаманлар, энди кайфи тарқалаётганини пайқашди. Ҳайрият, кайфи беғавла тарқаб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТАРҚАТМОҚ** айн. тарқалмоқ. *Гулдур этиб булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ* чакди. Ҳамза. *Низомидинов қанча ўйламасин, ўйининг охири тутунга ўхшаб тарқаб кетаверди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ғоҳи оқшом боғлар оралаб, Дардлашгани келар чўнони.* Ором гулшанига ўралар Бирдам тарқар дарди-армони. Т. Тўла. *Бу ўзи сизларга тушуниб бўладими? Раис бекор бўлиб, колхоз тарқадди-ку.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тўй тарқаганда, бир тўда қиз, йигитлар келин ва кўёвни кузатиб, машиналарда Норқўзиникига кетишди.* Х. Фулом, Сенга интиламан. *Гап билан бўлиб зангар кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуйчи, бир—иккинчи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАРҚАТИЛМОҚ** тарқатмоқ фл. мажх. н. *Оломон тарқатилди. Гап тарқатилди. Потеря билетлари тарқатилди. Артель тарқатилди.*

**ТАРҚАТИШ** тарқатмоқ фл. иш оти. *Гап тарқатиши. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатиши. Газета тарқатиши.* — [Оймахон].. ичкарига қамалаётган тутунни тарқатиши учун айвон олдига тўсилган чийни юмалатиб йиғди, девора суяб қўйди. П. Турсун, Уқитувчи. *Фуломжон ўртадаги оғир вазиятни тарқатиши йўлини билмай, ҳайрон бўлди.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

**ТАРҚАТИШМОҚ** тарқатмоқ фл. бирг. н. *Улар турли гаплар тарқатишибди.*

**ТАРҚАТМОҚ** 1 тарқамоқ фл. орт. н. *Хушбўй ҳид тарқатмоқ. Ёқимли садо тарқатмоқ. Хабар тарқатмоқ.* — *Бичук ғазабини тарқата олмай тишларини қирсиллатди-да, кейин пулемёт ёнига бориб тиз чўқди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Эга-эгаларига етказиб бермоқ, улашмоқ. *Газета тарқатмоқ.* — *Мен бир вақт сенга йўл чизиб берган эдим-ку, шундан чиқма, пахтаи биринчи*

қўлдан ол. Деҳқонларга пулни қишда тарқат. Пул билан оёғига кишан ур. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Битирмоқ, тугатмоқ. Комиссияни тарқатмоқ.

**ТАРҚАТУВЧИ** тарқатмоқ *фл. иш. оти.* Билет тарқатувчи. — Улар Қудратга.. ҳақсизликка қарши курашни, бу ҳақсизликни тарқатувчилардан нафратланишни ҳам ўргатдилар. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**ТАРҚАШМОҚ** тарқатмоқ *фл. бирг. н. Одамлар тарқашди.*

**ТАРҚОВ** 1 тарқамоқ *фл. иш оти.* 2 *айн. тарқок.*

**ТАРҚОҚ** 1 Бир ерга ғуж бўлиб тўпланмаган, сийрак жойлашган, тарқалган, сочилган. Тарқоқ уйлар. Тарқоқ соч. — У [Соҳиб] лапанглаб ўрнидан турди, уюшган тиззаларини уқалади, тарқоқ қоғозларини йиғиштириб яна ўрнига ўтирди. Ойбек, Навоий. | Тўс-тўс, пароканда. Душман тарқоқ гуруҳларни таъқиб этаётгани равшан эди. Ойбек, Куёш қораймас. | кўчма Тарқалган, сочилган, парижон. Тарқоқ фикрлар. — Қиз сочидай ҳаёли тарқоқ, Тош устида ўй сурар чўпон. Т. Тўла.

2 Яхши уюшмаган, бирлашмаган. Тарқоқ ҳаракат. — Аҳмад, илгари тарқоқ бўлсақ, энди бирлашдик, бир колхоз оиласининг аъзолари бўлдик. А. Қодирий, Обид кетмон. Ботирли партия чакирғи билан тарқоқ деҳқон хўжалигини коллективлаштириш сўбатини амала ошириш учун Зор қишлоққа йўл олди. С. Аҳмад, Хукм.

**ТАРҚОҚЛИК** тарқоқ *с. белги оти.* Фикрнинг тарқоқлиги. Ҳоёвий тарқоқлик. — Зидфат асосида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАРҒИБ** [а]: тарғиб қилмоқ (*ёки этмок*) 1) чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимот ва ш. к.ни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ, пропаганда қилмоқ. Марксизм-ленинизм ғояларини тарғиб қилмоқ; 2) тушунтириш йўли билан бирор ишга чакирмоқ, даъват этмоқ. — Ҳа, — деди Адолат. Усмоножонга маъноли боқиб, — тушундим. Хотин-қизларни очилишга тарғиб қилишгами? С. Зуннуова, Гулхан.

**ТАРҒИБОТ** [а] Бирор ғоя, таълимот ва ш. к.ни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган тушунтириш ишлари; пропаганда. Атеистик тарғибот. Тарғибот ишлари. Тарғибот юреғизмоқ (*олиб бормоқ*). — [Махсум:] Ер ислоҳотида қарши киши билмас тарғибот олиб бориб, деҳқонларни йўлдан урляпти, деб, жавабгарликка торттираман. С. Анорбоев, Оксқа.

**ТАРҒИБОТЧИ** Тарғибот ишлари олиб борувчи; пропагандист. Партия Уставида айтилганидек, коммунист жамоатчи, тарбиячи, тар-

ғиботчи ва таълиқотчи бўлмоғи керак.

**ТАРҒИБОТЧИЛИК** тарғибот *с. маъ. от.* Тарғиботчилик маҳорати. Тарғиботчилик ишлари.

**ТАРҒИЛ** Сарғиш ва қорамтир йўли. Тарғил бузоқ. | Шу тусдаги сигир, бузоқ ва ш. к. Сизир олсанг, таниб ол, таний олмасанг, тарғил ол. Мақол. — Сутчи ота тарғилни кўришлари билан силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғидан уч-тўрт кана олиб ташладилар. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. | Сарғиш. Зайнаб тарғил сочини бош орқасига тугиб қўйган. Ойбек, О. в. шабадалар. Шу топда у Чингизхоннинг ҳеч юмилмайдиган, одама тик қарайдиган айёрони тарғил кўзини кўргандек бўлди. М. Осим, Ўтрор.

**ТАРҲ** 1 [а] *эск. айн. олув* 2. Ундан учни тарҳ қилса, этти қолади.

**ТАРҲ** II [а] Кўриниш; лойиха, план. Қозғоғдаги шакл — бинонинг тарҳи эди. Ойбек, Навоий. Қоҳиранинг тарҳи кўринганда машҳур рус сайёҳи ва олими Егор Петрович Ковалевскийнинг бундан юз йил бурун чизган лавҳалари эсга тушиди. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

**ТАСАВВУР** [а] 1 Кишининг нарса, ҳодиса ва ш. к. ҳақидаги тажрибага асосланган билим-тушунчаси. Денгизчилар ҳаёти ҳақида ҳеч қандай тасаввурим йўқ. Тасаввур қилмоқ (*этномоқ*). Тасаввур олмақ. Тасаввур бермоқ. — Хайри қанча уринмасин, Ҳасан унинг тасаввуридан сурбетлик қилиб нари кетмас эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Майор Попов ҳақида ғойибона тасаввурга эга бўлган Йўлдош «бу командир ўша Попов эмасмикан?» деб шубҳаланди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар. Агар мумкин бўлса, Намангандаги ҳаётиниз, бу ерга келишингизга нима сабаб бўлгани тўғрисида қисқача бўлса ҳам гапириб берсангиз эди. Батафсил бўлиши шарт эмас. Тасаввур ҳосил қилсан бас. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Рассомларни сочи елкага тушан одамлар каби тасаввур қилар эди, у. Ойбек, О. в. шабадалар. Маҳкам Гавҳар билан учрашишини тасаввур этганда.. юраги бир орзқиди. П. Қодиров, Уч илдин. [Офтоб ойим] Кумушни кўрган сайин аланечук юраги ачир, жудолик кунларини асло тасаввур қилолмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мурзин ўтирган ўрнида ўзини ҳар нарасага қобилдек тасаввур этди. Шўҳрат, Шинелли йиллар.

2 *филос., психол.* Идрок қилинган; ҳис этилган нарса ёки ҳодисанинг киши онгида акс этиши, гавдаланиши. Тасаввур процесси.

**ТАСАВВУФ** [а] Ғайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, одамнинг илоҳлар билан бевосита алоқа қила олишига ишонидан иборат диний эътиқод; мистика.

**ТАСАДДУҚ** [а] 1 Садақа; қурбон. фидо. Қаники, топилса ерим, Тасаддуқдир ҳарна борим. «Равшан».

2 *унд. с.* Таҳсин, офарин, тасанно. Сени туққан онанга минг тасаддуқ. Қай йишнинг сендек бахтиёри бор! Ё. Мирза. Тасаддуқ бўлмоқ айланиб ўргилмоқ. Онанг бўйганинга тасаддуқ бўлиб, Отанг мақтанайди: таянчим, кўрким. Ғ. Ғуллом. (Жоним) тасаддуқ ўргилай, қурбон бўлай, жоним фидо бўлсин. Жоним тасаддуқ сенга диёрим. Ҳамза. Жоним тасаддуқ бўлсин у кишига. Ойбек, Навоий. Тасаддуқ бўлай (ёки кетай) айн. жоним тасаддуқ. [Холат:] Қайққа қарасам, ҳур билан ғилмон кучаман-а! Тасаддуғинг кетай! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ТАСАДДУҚОТ** [а] *кт.* Қурбон; қурбонлар. Тасаддуқот қилмоқ. — Буйруғингизга мувофиқ деҳқонлар ҳазратининг соғликлари учун тасаддуқот қилипти. Айний, Дохунда.

**ТАСАЛЛИ** [а] Юпатувчи нарса, гап, иш-ҳаракат ва ш. к.; таскин. Тасалли бермоқ. Тасалли топтомоқ. — Енгиел эсан шабаданми, ё бригадирнинг тасаллиси қор қилдими, ҳар қалай, раиснинг чеҳраси бир оз ёришди. Х. Эргашев, Тадбиркор раис. — Хафса бўлманг, яхши парварши қилинса тўзалиб қолади. — тасалли беришга уринди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар. Мен унга тасалли беришим керак. ҳеч бўлмаса илиқ сўзим, қайноқ юрагим ҳарорати этиб борсин унга! И. Раҳим, Чин муҳаббат. Йиғит шегъ ёзиб. ўзини бир япроққа, қизни бир томчига ўхшатиб кўнгли унча-мунча тасалли топади. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ТАСАЛЛО** [а] *айн. тасали.*

**ТАСАННО** [а] *позт.* 1 Мадҳ, мактов; олқиш. Тасанно айтмоқ (*демоқ, ўқимоқ*). — Колхоз ҳақидаги тасанномизни шу ерда тўхтатиб, шу колхозга шараф келтирган азаматлардан икки қиз ҳикоясига навбат берайлик. М. Исмоний, Икки қиз ҳикояси. Ойбек адабиётимиз шуҳратини.. дунёнинг анча мамлакатларига ёйишда жуда катта таҳсин ва тасаннога лойиқ киши қилди. В. Зоҳидов, Мўъжизакор. Устанинг санъатидан ҳайратда бўлган одамлар битта танбурдан ҳам шунчалик дилбар оҳанглар чиқишига тасанно айтишарди. Мирмуҳсин, Созанда. Олов тафтида зарбдор меҳнат қилаётган.. кишиларнинг зафарларига тасанно деса арзигулик. Ж. Холқосимов, Олов ва меҳр. Али ота окбулутдай пахталарни шопириб, Уқир тамтам қизларининг ғайратига тасанно. Зулфия.

2 *унд. с.* Тасаддуқ, офарин; таҳсин. Осмонимиз лочинлари, уч баҳодир. — Юрий Гагарин, Герман Титов ва уларнинг муносиб издоши Андриан Николаевнинг жасоратига тасанно! М. Исаев, Лочинларга тасанно!

**ТАСАВВУФ** [а] *кт.* Фойдаланиш ҳуқуқи, ихтиёри, эғалик, хўжайинлик. Хусусий тасарруф. Бу ер-сувлар қадим боининг тасарруфида эди. Тасарруф қилмоқ. — Деҳқонлар давлат-



даги ернинг ҳаммасини ўз тасарруфларига берилишини талаб қилмоқдалар. В. И. Ленин, Думада ер масаласи. *Отаси эса, Бобомирзани ўзининг кўз қорачиги, деб билар, шу сабабдан катта рўзгорни бошқаришини, ер-сув, мол-дунё тасарруфини шунинг ҳўлига ташлаб кетиш ниятида юрарди.* И. Раҳим, Тақдир. *Менинг бутун ҳўжалигимни тасарруф қилишга ундан бошқа кишининг ҳади йўқ.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ТАСАРУФЛАМОҚ** кам қўлл. Эгалик, ҳўжайинлик қилмоқ.

**ТАСАРУФОТ** [а] кам қўлл. айн. тасарруф. Тоғ оралиқларидаги катта йўл, бекатлардан тортиб, илон изи сўқмоқларгача... ҳар бир қоя тошдан тортиб, булоқларгача, барини инсон ўз тасарруфотига олибгина қолмабди. Уларнинг ҳар қайсисига ярашиқ ном қўйибди, вазифаси ва сифатини белгилабди. Х. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ТАСБЕХ** [а] Худонинг номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси. Садаф тасбех. Тасбех ўйрмоқ (ағдармоқ). — Мирзакаримбой... газламага суяниб, тасбех доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказиб, чордона куриб ўтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Чинор шоҳлари тасбех каби тизилган бойқушлар билан тўлган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Пирим олоқ тоғ отаунча тасбех ўғириб, курбон тиловат қиладилар. С. Ахмад, Хукм. Бир саотдан бери жойнамоздан қўзғалмай тасбех ағдариб ўтирган Ойша буви Тўйбекани бошдан-оёқ кузатиб, яна шига машғул бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАСВИР** [а] 1 Бирор нарсанинг ўйма, қўйма ёки чизма шакли; расм, сурат. График тасвир. СССР Давлат гербининг тасвири. Уроқ ва болға тасвир этилган плакат. — Лола янглиғ оразинени Мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқчилигим Ёзмиш экан тасқирда. Ҳамза. Унинг [Элмуроднинг] ҳаёлида фақат қуралай кўзли Гулсумнинггина хира тасвири жилваланди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг бадний ифодаси. Тоғ манзарасининг тасвири. Баҳор тоғини тасвир этмоқ. — Мен сени мақтамоқ бўлдим-да, ўғзал, Минг турли сўзларни олдим қаламга. Узимча тасвиринг чиздим муфасса, Гўёки ҳайкалинг қўйдим олажа! Шухрат. Тошкент тонготари нақадар ўғзал, Чиройи тасвирга сижмас, сермазмон. Ғайратий. [Алексей Иванович] бу ерларнинг табиатини, тоғларини, чўлларини, манзараларини, боғларини тасвир қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Нарса; воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг илмий тавсифи. Шеванинг фонетик тасвири. Зилзила процессларининг илмий тасвири.

**ТАСВИРИЙ** [а] 1 Тасвирга оид, бадний тасвир шаклидаги. Тасвирий ибора. Тасвирий ҳикоя. Плакат тас-

вирий санъатнинг кўпчилиikka энг мансур бўлган формаларидан биридир.

2 Баъний, тавсифий. Тасвирий хараактеристика. Тасвирий фонетика тилшуносликнинг бирор тилдаги товушлар системасини синхрон тарзда ўргатувчи бўлими.

**ТАСВИРИЙЛИК** тасвирий 1 с. белги оти. Ифоданинг тасвирийлиги. — Бадний адабиёт тилининг энг катта хусусиятларидан бири — унинг тасвирийлигидир. «Адабиёт назарияси».

**ТАСВИРЛАМОҚ** 1 Суратини, расмини чизмоқ, тасвир этмоқ. Денгизни тасвирламоқ.

2 Бадний образларда кўрсатиб бермоқ, баён этмоқ, ҳикоя қилмоқ. Элмурод оиласи ва ўзининг оғир ўтмишини қисқача тасвирлаб келиб, охирида шундай деди: Менга.. бир парча нон, деб бировларнинг зингида қўллик қилишдан бошқа тирикчилик чораси йўқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Нарса, ҳодиса, хусусият ва ш. к.ни илмий тавсифламоқ, тасвир этиб бермоқ. Шеванинг морфологик хусусиятларини тасвирламоқ. — Уларнинг [субъективистларнинг] фанлари ҳам, жуда нари борганда, бу ҳодисаларни қуруқ тасвирлаб беришдан, хом материални тўплашдан иборат эди, холос. В. И. Ленин, «Халқ дўстлари нима» ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар.

**ТАСВИРЛАНМОҚ** тасвирламоқ фл. мажх. н. Суратда партизанлар тасвирланган. Асарда чўпонлар ҳаёти тасвирланади. Мақолада Марғилон иевасининг фонетик хусусияти тасвирланган.

**ТАСВИРЛИ** 1 Тасвирга оид, тасвир шаклидаги; тасвирий. Тасвирли ибора.

2 Суратли, иллюстрацияли. Тасвирли китоб.

**ТАСДИҚ** [а] Бирор нарсанинг ҳақлиги, тўғрилиги ёки маъқуллигидан далолат берувчи факт; далил, ишбот. Фикрнинг тасдиқи. Тасдиқ жавоби. Тасдиқ этмоқ (қилмоқ). — Акбаров унга тасдиқ маъносида бош ирғаб, Маҳкамга гапиришда давом этди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Уста Олим тасдиқ ишорасини бериб:— Сўзлай берингиз! — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Суд ҳукмини тасдиқ қилди. Директор гувоҳномани қўл қўйиб, тасдиқ қилиб берди. — Қонун ЎзССР Олий Совети томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинса, тасдиқ этилган деб ҳисобланади. «ЎзССР Конституцияси». Абушукур. Ҳажимбойваччага илжайиб қараб унинг сўзини бош қимирлатиши билан тасдиқ қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Зайнабнинг жунун қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилган, унинг устидаги жазо кўтарилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Халқларнинг дўстлиги интернационализм ғояларининг тўғрилигини тасдиқ қилади.

**ТАСДИҚЛАМОҚ** 1 Қарор билан ёки қўл қўйиб, печать босиб, қонуний куч-

га киритмоқ, тасдиқ қилмоқ. Министрлар Совети проектни тасдиқлади. Директор шартномани тасдиқлади. Секретарь имзони тасдиқлади.

2 Бирор иш, ҳаракат, ғоя ва ш. к.ни тўғри деб топмоқ, маъқулламоқ, тасдиқ этмоқ. Қўмушнинг «албатта каттаман»,— деган сўзини Отабек ичидан тасдиқлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мен ҳам шуну ўйлаб турган эдим.— Ботирли унинг сўзларини тасдиқлади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Бугун станокли пулемёт мергани ҳам чиқибди деб эшитдик. Генерал комиссарга қаради, у тасдиқлаган, давом этди. Шухрат, Шинели йиллар.— Ҳа баракалла,— Қудрат калласини тебратиб тасдиқлади. М. Исмоний, Фаргона т. о.

3 Тўғрилигидан далолат бермоқ, ишботламоқ. Бу факт фикримизни тасдиқлайди.

**ТАСДИҚЛАНМОҚ** тасдиқламоқ фл. мажх. н. Газетада босилган хабар тасдиқланди. Шартнома тасдиқланди. — Ҳақиқатан, бирон ой ўтмасдан, Уринбой отанинг фоли тамоман тасдиқланди. Ойбек, Қуёш қораймас. Бошлангич партия ташкилотининг.. қарорлари район партия комитети томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради. «КПСС Устави». ЎзССРнинг ЎзССР Олий Совети томонидан тасдиқланган давлат бюджети умумхалқ маълумоти учун эълон қилинади. «ЎзССР Конституцияси».

**ТАСДИҚЛАТМОҚ** тасдиқламоқ фл. орт. н. Фикрни тасдиқламоқ. Аризани тасдиқламоқ. Имзони тасдиқламоқ. — Ҳўжабеконинг ўвдани жаҳли чиқди. Шу чолга гапини тасдиқлашти шартми? С. Анорбоев, Оқсой. [Амир Шоҳмурод]. йўқолган вақфномалар ўрнига расмий нома ёздириб, ҳукумат муҳри билан тасдиқлади. Айний, Эсдалиқлар.

**ТАСДИҚЛАШМОҚ** тасдиқламоқ фл. бирг. н. Улар раиснинг фикрини тасдиқлашди. — Тўғримни гапим? — одамларга қараб қўйди сувоқчи. Баъзилар «тўғри» деб бош билан тасдиқлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАСИРА-ТУСУР** айн. тасир-тусур. Тасира-тусур ўқ овози. — Яйдоқ чўлда шамол қутуриб, бўридай увиллар, серкўсақ ўғзаларни ёнғоқ қоққандай тасира-тусур саваларди. Ҳ. Назир, Қанотлар. Бизга нават яқинлашиб қолганда тўсатдан тасира-тусур боланди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАСИРЛАМОҚ** «Тасир-тусур» товуш чиқармоқ. Томга тасирлаб ёнғоқ тўжилди. — От боради асирлаб, Отган ўқдай тасирлаб. «Равшан». Узоқдан замбараклар ҳайқирғи, снарядларнинг портлаши эшитилмоқда. Аллақерда пулемётлар тасирламоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАСИРЛАТМОҚ** тасирламоқ фл. орт. н. Қимдир тасирлатиб эшикни қоқди. — Тўғонбек ечиниб ётмоқ-

чи бўлганда, дарвозадан тасирлатиб отлиқ кирди. Ойбек, Навоий.

**ТАСИР-ТУСУР** тақл. с. Кетма-кет такрорланувчи тасирлаган товуш ҳақида. Орқада от туёқларининг тасир-тусури эшитилди. С. Анорбоев, Оқсой. Дайди шамол.. отилиб турган ўқларнинг тасир-тусур овозини олиб келади. М. Муҳамедов, Қахрамон издан.

**ТАСКИН** [а] Юпатувчи нарса, гап, иш-ҳаракат ва ш. к.; тасалли. Таскин бермоқ. Таскин топмоқ. — Бу нафосат даргоҳи [Муқимий театри] ўша оғир жанг ва кураш йиллари.. беғорам кўнглиларга таскин, ёшли кўзларга нур бахш этган. А. Юсупов, Жилокор қўллар. Йўлчи.. қасалнинг кўнглини кўтариш учун унга таскин берувчи умидбахш сўзлар айтди. Ойбек, Қутлуғ қон. — Ҳа деб куя бермане, айланай, Эъвозхон, — Тозагул унга таскин берди. Ҳ. Фулом, Машғал. Сидиқжон, гарчи Зийдаҳоннинг сўзларидан кейин бир қадар таскин топаён бўлса ҳам, ҳар қалай, Болтабой билан икки оғиз гаплаган, Самандаровнинг Болтабойга нималар деганини аниқ билгиси келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қандай гап айтса Икромжон амакининг кўнгли таскин топаркин? С. Аҳмад, Уфқ.

**ТАСЛИМ** [а] Курашда, жангда, тортишув ва ш. к. да енгилиб қаршиликни тўхтатиш, мағлубият. Таслимни билмайдиган шонли қўшнлар. — Таслим маслаҳатини беран йигит тутилиб бир неча қадар нарироққа судралди. Айний, Қуллар. Таслим бўлмоқ 1) жангда, курашда, тортишувда енгилиб қаршиликни тўхтатмоқ. Душман таслим бўлди. — Мадамни вақтни ўтказмай, қизил аскарга таслим бўлди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) бўйин эгмоқ, бўйсунмоқ. Уғлининг далиллари олдида она учун таслим бўлишдан бўлак илож йўқ эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Қизиғида боссак темирни Шундагина енгамиз бизлар. Шунда бизга душмангина эмас, Ҳатто таслим бўлар дегизлар. Ҳ. Пулат. Таслим этмоқ (ёки қилмоқ) 1) жангда, курашда ва ш. к. да ғолиб келиб қаршиликни сндиримоқ, тиз чўктирмоқ. Душманни таслим қилмоқ; 2) кўчма бўйсундирмоқ, жиловламоқ; енгмоқ. Ўғлини таслим этмоқ. Ужар Амуни таслим қилмоқ.

**ТАСЛИМЧИ** Ғолиб томон шартларига қўниб, қаршилик кўрсатишни тўхтатувчи, таслим бўлувчи. Совет халқи.. хоинларни ва таслимчиларни тор-мор келтириб, СССРда социализм қуришининг ленинча геннал планини муваффақиятли амалга оширди. З. Есенбоев, Улуғ Ленин даҳоси.

**ТАСЛИМЧИЛИК** Ғолиб томон шартларини қабул қилиб қаршилик кўрсатишни тўхтатиш, таслим бўлиш сие-сати. В. И. Лениқ сўзедда меньшевикларнинг таслимчилик тактикасини фаш қилди. «ҚПСС тарихи».

**ТАСМА** [ф-т] 1 Узун, энсиз тери.

Ботир арслонни ўлдириб, терисидан бир тасма олди. «Эртақлар».

2 Боғлаш, бириктириш учун белгиланган тери ёки пишиқ матадан ясалган энсиз буюм, қайиш, камар. Юган тасмаси. Соат тасмаси. Милтиқ тасмаси. — Бобоқул ота қўзи-чоқнинг қўлтиғидан брезент тасма тортарди-да, кичкинагина тарозининг илгагига илиб кўтарарди. С. Анорбоев, Оқсой. | Лента, жияк. Шоҳи тасма. Қўйлак тасмаси. — Бошиқ орик, чўзинчоқ юзли, бир кўзи ингичка тасма билан бойланган новча киши эди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 тех. Механизмларда ҳаракатни бир шкивдан иккинчи шкивга ўтказиб берувчи чарм ёки пишиқ тўқмадан ясалган лента. Вентилятор тасмаси. — Яқин келгусида ҳозиредан уч баравар кўнга чидайдиган капрон тасма ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. С. Абдуллаев, Газламанинг «умри».

4 кўчма Йўл, из. Саҳродан зар тасма ўтказган Аму — ёқасида ўрмон, пахтазор сўлим. С. Акбарий.

**ТАСМАДАЙ**, —дек Ингичка, нозик ва хипча (кимса ва нарсага ҳақида). Қўжам ёмғири қорни эритган, фақат олис-олисларда, тоғ ёнбағирларида қор суви оқ тасмадай милт-милт жилдираб тушмоқда. Ҳ. Назир, Бир туш гўза. Фарғона халқини асрий муҳтожликдан қутқазган Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона каналлари қумуш тасмадек ҳусн бўлиб тушган. Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади. Анна Ивановна тасмадек узала кетган йўлга қаради. Шухрат, Шинелли йиллар. Тасмадек бўйинини эгиб, қамишдек овқларини кериб, хуш ёққанидан жимгина турган кўк айғирнинг бахмадек ялтироқ ўмровини қашлаётган Мўйлов уни узоқдан кўриб дарвозага қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой. [Ойша:] Ҳой, Қомилжон, хотининг тасмадеккина экан, иложим қўша қаринлар. О. Ёқубов, Айтсам тилим қуяди, айтмасам — дилим.

**ТАСНИФ** [а] айн. классификация. Ўзбек тили шеваларининг таснифи. **ТАСНИФЛАМОҚ** Классификация қилмоқ.

**ТАСОДИФ** [а] 1 Фавқулодда ҳол, воқеа, ҳодиса. Бахтли тасодиф. Қўнгилсиз тасодиф. Ҳар қандай тасодифга тайёр турмоқ. — Мулла Абдураҳмон хануз Раённинг эрга берилмаганлиги хабарини эшитган, бу тасодифнинг истиқболнинг хайрли фоллари сирасига киритди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ҳовлида кезиб юрган маст Салимбойвачча, ўзича, фурсатини ва тасодифни жуда қулай топди. Ойбек, Қутлуғ қон. Милтиқ товчулари билан бошланган алғов-далговлардан юраги пўкиллаб қолган мулававча яна бир тасодифдан қутулганига шуқур қилиб ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқди. П. Турсун, Уқитувчи. | Аҳёнда бир бўлиб қоладиган, камданкам рўй берадиган ҳодиса; англашилмовчилик. Ҳи-

коя алоҳида шахсларнинг яхшилик ё ёмонлик, ё бўлмаса турмушдаги бир тасодиф устида ёзилмайди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 филос. Ички заруриятга асосланмаган объектив мавжуд сабабий шарт-шаронлар формаси. Зарурат ва тасодиф.

**ТАСОДИФАН** [а] рви Қутилмаган ҳолда, бирдан, қўнқисдан, тасодифий равишда. Тасодифан учрашмоқ. — Раён, қулоғи остига теккан иссиқликдан чўчиб, юзини ўнглаган эди, тасодифан лаби ҳалиги иссиқликка учрашди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Сергей бу душманнинг кимлигини тасодифан топди. Ҳ. Фулом, Машғал. Дадаси қайтиб келса, Нигорани танирмикин? — Тасодифан туғилган бу сўроқ Нигорани ҳаяжонга солди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАСОДИФИЙ** [а] 1 Қутилмаганда, бирдан, тўсатдан рўй берадиган, қутилмаган; фавқулодда. Тасодифий воқеа. Тасодифий учрашу. — Тасодифий ҳодисаларда қаттиқ ярадор бўлганларга тез ёрдам бериш менга маъқул бўлди. Ойдин, Уялди шекилли, эрга қаради. | Ўйланмасдан қилинган, ғайришуурий. Тасодифий хато.

2 Сабабий боғланишда юзага келмаган; сабасиз. Унинг бу кириши ҳар кундагидек киши билмас, тасодифий эмас. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Бу уруш тасодифий эмас, албатта, бу воқелик осмондан тушгани йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАСҚАРА** [а] 1 зоол. Йиртқичлар туркумининг қарчғайлар оиласига мансуб ўлаксахўр қуш. Қўнишининг устидан қора ҳошияли малла қанотларини аста елпйтиб, каттақон тасқара учиб ўтди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Беўхшов, хунук, бадбашара одам. Наҳотки, кексаларни ҳурмат қилмайдиган, бетайин бағзи тасқаралар ўз ишини маъқул қилиб юра берса. Мирмуҳсан, Бир хумча тилла. || Асалбиби учун Аширмат бу гал жуда ёқимсиз, тасқара бир одам бўлиб кўринди. Ойбек, О. в. шабадалар. Оғзинишга қараб гапиринг, тасқара бўлиб нима қилти? С. Зуннунова, Гулхан. Молага қўйилган тасқара жуда хунук, таъвия-тараққос. Тасқараси чиққан беўхшов, хунук, тавия-тараққос бўлиб қолган, аживаси чиққан.

**ТАТАББУ** [а татаббу], 3 ш. бирл. татаббу] эск. кт. Текшириш, ўрганиш; тадқиқот, таҳлил. Илмий татаббу. — Бойқаро ўз ғазалини жамки шоирларга татаббу учун берди. Ойбек, Навоий. Илми халққа берингиз, татаббу ва тафаккур билан илми кенгайтирмоққа ҳаракат қилингиз. Ойбек, Навоий.

татаббу қ. татаббу.

**ТАТАЛАМОҚ** 1 Тирнамоқ, тимдаламоқ. Ит ерни таталади. — Адолат бир жойни панжаси билан таталади, кетмонда қовлади, аммо булоқ кўзини

топа алмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Трактор гоҳ ер таталаб ботиб қолса, гоҳ қатқалоқда кесак кўчиради. Ш. Ғуломов, Комсомол иродаси. Чирокни ёқмоқчи бўлганда эшикни биров, худди мушук таталагандай, тақирлатди. А. Қаххор, Сароб.

2 *кўчма* Бетинч қилмоқ, гаш қилмоқ, тирнамоқ (кўнгилни, дилни). *Хавотирлик* юрагини талади. — *Инженернинг ўзи ҳам қандайдир ожизлик ва гумон аралаш бир нотайин туйғу билан кўнгли сира очилмай, ичини бир нарса таталагандай бўлиб юрар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ичини мушук (ёки ит) таталапти (ёки тирнапти) қ. ич 3.*

3 *кўчма с. т.* Уриниб-суринмоқ, тиришмоқ. *Мунаввар русчага у қадар уста бўлмаса ҳам, уялиб қолмаслик учун таталаб, маъносини тушунишга ҳаракат қилар эди.* С. Анорбоев, Мехр.

◆ **Қорни таталади** қорни жуда очди, очликдан бетоқат бўла бошлади. *Қудрат, қорни таталаб кетганидан, ҳовли бурчагидаги янги ўчоққа осилиқ декча қопқоғини очиб кўрди: декча бўш эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТАТАЛАШМОҚ** таталамоқ 1, 3 *фл.* бирг. н.

**ТАТАР** қ. татарлар. *Татар халқи. Татар тили.* || *Татар аёл.*

**ТАТАРЛАР** 1 Татаристон АССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ; татар халқи.

2 Волга бўйи, Сибирь ва Қримда яшовчи турк тиллари группасига мансуб элатлар.

**ТАТАРЧА** 1 Татар алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Татарча қўшиқ. Татарча дўппи.*

2 Татар тили. *Татарчани ўрганмоқ.* || *Татарча гаплашмоқ.*

**ТАТБИҚ** [а] Амалда ишлатиш, қўл-лаш. *Ядро энергиясининг тинч мақсадлар учун татбиқи. Татбиқ қилмоқ (этноқ).* *Химия фани ютуқларини қишлоқ хўжалигига татбиқ этмоқ.*

— *Бу савол ўзига ҷионарли жавоб талаб қилиш билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантиқига имтиҳон ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Янги техникани татбиқ қилиб қазилган Жилвон рўд бошдан-оёғигача баланддан настега қараб шариллаб оқмоқда.* Айний, Куллар.

**ТАТБИҚИЙ** [а] Амалда татбиқ этиладиган, қўлланиладиган; амалий. *Татбиқий механика.*

**ТАТИМ** 1 Равоч уруғи (дори тайёрлаш учун ишлатилади).

2 *диал.* Тотим.

**ТАТИМЛИ** 1 Яхши таъм берадиган; мазали, таъмли, тотли. *Татимли овқат.*

2 *Озгинаси кўпга татийдиган; чикимли. Татимли чой.*

**ТАТИМОҚ** 1 *айн. тотмоқ. Овқатнинг тузунги татимоқ. Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини татимоқ.* — *Қамбар эгилиб шивирлади: — Ичасизми? Озгина қуй-*

*иб берай. Жуда хуш таъм мусаллас. — Сира татиб кўрган эмасман. Керак эмас. Ойбек, Қўлтур қон. [Раззоқ] у ердан [мактабдан].. қорни очиб, кўзлари киртайиб, кеч қайтарди-да, олдига қўйилган таомдан татир-татимас аллақадар жўнади.* Х. Ғулом, Машъал.

2 *Таъсир қилмоқ; юқмоқ. Қатиқ мошхўрдага яхши татийди. — Овқат [Шавкатжонга] мазалироқ татиди.* Н. Мақсудов, Умидли бола. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга.. қотиб кетяпти ўзи.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири. **Арзоннинг шўрваси татимас** арзон нарсадан ёки бемехнат топилган даромад, маблагдан ёлчи-майсан; барака топмайсан. *Синелим, ҳеч қачон ишинг осонини ахтарманг. Арзоннинг шўрваси татимас, деган гап бор.* Уйғун, Сўнгги пушаймон. | *кўчма* Хузур-халоват, роҳат бағишламоқ; маза, завқ, бермоқ. [Шодибой:] *Аммо муборакбодга ўша кунни хўжайиннинг ўзлари келмасалар, тўй менга татимайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *Кифоя қилмоқ, кифоя бўлмоқ, етмоқ. Бутун умрга татийдиган сабоқ. Урпоғинда бўлса, уруғинга татийди. Мақол. — Ўнг томонда тўрт кун жанг бўлди. Бу ўтган тўрт кун қариш тўрт йилга татиб кетди.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. *Бу ёмғирнинг ҳар бир тамчиси тиллага татиб кетдику, деб [колхозчилар] қувона-қувона қишлоққа қайтидилар.* Н. Сафаров, Дон. «Баҳорнинг бир кунни йилга татийди», дейишдади миришкор деҳқонларимиз. Д. Нуров, Сувчи.

**ТАТИНМОҚ** татимоқ 1 *фл. ўзл. н. айн. тотинмоқ. Овқатдан татинмоқ.*

**ТАТИР** Шўрхоқ ерда ўсадиган бутасимон бир тур ўсимлик.

**ТАТИТМОҚ** татимоқ *фл. орт. н. Овқатдан татитмоқ. Бола хархаша қилавериб томошани ҳам татитмади.*

**ТАТИҚ:** татиғини бермоқ жазосини, адабини, таъзирини бермоқ. *Буларнинг татиғини бермасам!.. Ҳе, кўзларинг қурсин!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Татиғини емоқ (ёки тотмоқ)**

1) жазосини тортмоқ, адабини, таъзирини емоқ. *Ҳа, бу қилмишинг учун татиғингни ейсан;* 2) мазасини, лаззатини тотмоқ. *Қўй йиллар тинчгина турган қилмичинг, Татиғин душман тотажак энди.* Ф. Ғулом.

**ТАФАҚҚУР** [а] 1 *Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги актив инвёкос процесси, инсоннинг фикрлаш қобилияти; фикрлаш. Тил тафаккур билан бевосита боғлиқдир. — Маркс тарихий материализми илмий тафаккурнинг энг буюк ютуғи бўлди.* В. И. Ленин, Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми. *Деҳқон тафаккури ғолиб чиқалти темирага тил киритиб, ундан оқилона фойдаланяпти.* С. Маҳкамов, Турсунов.

2 *Ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама; ўй. Бир соатлик тафаккур, бир*

*йиллик тоатдан айфал.* Ойбек, Навоий. **Тафаккур**, мантиқий фикр юритиш малакаси ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак эди. Қорни-Низий, Онг ва тарбия. *Орага узоқ, вазмин хомушлик тушиди. Малика бир нуқтага тикилиб, тафаккурга чўкди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ТАФОВУТ** [а] Нарса, ҳодиса ва ш. к. орасидаги ноўхшашлик, бирини иккинчисидан ажратувчи белги, ўзига хос хусусият; ўзгалик, фарқ. *Бизда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут йўқолиб бормоқда. — Нафиса унинг андазасига сал ҳам тўғри келмас эди: тафовут фил билан қумурсқача! Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ТАФРИҚ** (А) [а] *эск. кт. 1* Фарқ, тафовут; фарқланиш.

2 *Фарқ, ажралиш ёки ажратиш туйғули юзага келган низо; нифоқ, адоват. Бу маъносиз гафто подшоҳнинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа солмақдан ўзга иш йўқми, ажабо!* Ойбек, Навоий.

**ТАФСИЛ** [а] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг ҳар бир айрим моменти, майда-чуйда деталли, тафсилотли; шундай тафсилотларни ўз ичига олган баён, батафсил изох. *Ҳатто кундошини паршонхотир қилган бу гап Отабекка қандай таъсир қилиши кўп тафсилга муҳтож эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАФСИЛИЙ** [а] Бутун тафсилотини ўз ичига олган; батафсил, изохли. *Тафсиллий ҳикоя. — Йўлда менга воқеани тафсиллий равишда сўзлаб бердилар. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. || Биз қиссамизнинг ҳажми сиздирмаганликдан, унинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафсиллий тўхташ олмаймиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мен ҳали ёш эканман, шу Жўзанинг худди ўзида бир воқеа бўлган. Эҳтимол ўша эсимга тушган бўлса керак, — деб воқеани тафсиллий сўзлаб кетди.* Ойдин, Фонарь тагида.

**ТАФСИЛЛАМОҚ** Бутун тафсилоти билан, тўла, батафсил тушунтирмоқ, муфассал баён қилмоқ, изохламоқ. *Воқеани тафсилламоқ. Тафсиллаб айтиб бермоқ.*

**ТАФСИЛЛИ** Бутун тафсилотини ўз ичига олган; муфассал. *Тафсилли жавоб. — Аҳмад Хусайн узоқ сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ТАФСИЛОТ** [а] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг тафсили, майда-чуйда моментлари, деталлари. *Воқеанинг тафсилоти. — Турдиев машғум тарихининг тафсилотини эслаётгандай, бошини қуйи солди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Генерал Поевдин харита устига эгилди. Снегов аввал Фарбий фронт штабидан олинган вазият тафсилотини айтиб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У Замирани таниганидан бери, ораларидан нима ўтган бўлса,*

ҳаммаси, майда-чуйда тафсилотлари-гача, ҳаёлида тинмай тасвирланарди. П. Қодиров, Уч илди. Ефим Данилович йўлда Эргаш билан қувноқ гап-лашиб кетди. Сафарини бутун тафсилоти билан гапириб берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАФСИР** [а] кт. 1 Бирор гап, воқеа-ходиса, текст ва ш. к.га берилган мукамал изоҳ, шарҳ, тушунтириш. Қуръоннинг тафсири. Муаммонинг тафсири. Тафсир қилмоқ.

2 тар. Қуръоннинг мадрасаларда айрим фан сифатида ўрганилган муфассал шарҳи. Аҳмадхўжа ўз хатида мадраса олияда тафсир, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТАФСИРЛАМОҚ** Маъносини тушунтириб, изоҳлаб бермоқ, шарҳламоқ, тафсир қилмоқ. Олим Бедилни тафсирлашга киришди.

**ТАФСИРЧИ** Бирор нарсанинг маъносини тушунтириб, изоҳлаб берувчи шахс. Қуръон тафсирчилари.

**ТАФТ** [ф-т] Иссиқлик манбаи ёки қизиб турган нарсадан ураётган иссиқ, ҳарорат. Тандирнинг тафти. Оловнинг тафти. Гулхан тафтида иссиқмоқ. — Кеч кириб ҳавонинг тафти қайтди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Тоштемур Урта Осийнинг қизгин кўёши тафтида қорайган пешанасидаги қоп-қора қошларини чимирганча, абадий сукунат ичига чўмган эди. А. Раҳмаг, Эллик бир баҳодир. Ҳавонинг ўт тафти бергучи нафасига чидашининг иложи йўқдай туюларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Иссиқлик даражаси, ҳарорат; температура. Беморнинг тафти баланд. — Жўра полвон.. ернинг етилиши, тафти, нами, ҳарорати, .. сўғориш усулларини яхши билади. И. Раҳим, Ихлос. Сувнинг тафтини билгиси келди ишқилли, ғўдир бармоқларини [сувга] ботирди. Р. Раҳмонов, Восил ака.

2 кўчма Юрак ҳарорати, ўти, ўғити. Ёш юрагим тафти бир кўёш, Меҳрим сенга қайноқ ва отаи, Ишқим билан қалбинг ўртарман, Дил кўчмадан ҳар кун ўтарман. Э. Охунова. | Куч-ғайрат, илҳом бағишловчи нарса, муҳит. Биз.. дўстликнинг қудратли кучини, унинг ҳаётбахш тафтини ҳар кун, ҳар соат сезиб турибмиз. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 23 октябрь. Тафтини босмоқ (ёки ёзмоқ, пасайтмоқ) 1) иссиғини, ҳароратини туширмоқ. Муздек айрон кишининг тафтини босади; 2) кўчма дард-аламни юмшатмоқ; жаҳлдан ёки ховурдан туширмоқ; юпатмоқ. Юрағидаги алам ўтининг тафти пасайгандек бўларди. М. Осим, Ўтзор. Дикқати ошиб, дили қоронғи бўлиб кетган кезларда, челақни шафтолига тўлдириб, ётоғимизга келиб қоларди. Бизни койиб-койиб, тафтини ёзиб кетарди [кампир]. С. Аҳмад, Онажонлар. Тафтини кўтармоқ айн. таф-

тини босмоқ (ёки ёзмоқ, пасайтмоқ) Овқатдан олдин ювиниб чиқасизми, совуқ сув одамнинг тафтини кўтарарди. А. Қаҳҳор, Аяжонларим.

**ТАФТИШ** [а] 1 Бўлиб ўтган иш, ходиса ва ш. к. юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, тергов ёки ревизия. Планли йиллик тафтиш. Тафтиш комиссияси. — МТСнинг сувсий бўлими ҳормасдан ўз тафтишини давом қилдириди. Охир чиғил ечилди. Айний, Қуллар. [Навой:] Тафтишлар шунини кўрсатадики, Ёдгорбек кўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Саидғози шошиб қолди. У ўзининг тафтиши остига олиншини кутмаган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Особий отдел бу йиртқичнинг ҳамма жиноятини бирма-бир тафтиш қилади. Ҳ. Гулом, Машъал.

2 эск. Қидирув, тинтув. Ўғриллар тутилсин, дорға осилсин! Ҳар бир хонадон тафтиши қилинсин. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАФТИШЧИ** Тафтиш қилувчи, текширувчи; ревизор. Халқ назорат постидасилар Илҳомчанинг зери қўллиги ҳақида милицияга сигнал беришибди. Аммо тафтишчилар келганда, Илҳомча аллақачон қочиб улгурган эди. Х. Гулом, Сенга интиламан.

**ТАХ** 1 Дазмол урилган ёки тахланган нарсанинг қайрилган, букилган жойи, чизиги. Дўппининг тахи. Тахини ёзмоқ. Дазмол уриб тахини текисламоқ. Дазмоллаб шимга тах солмоқ. Тахтакачлаб дўппининг тахини чиқармоқ. — Келин чой қуятуриб, кўзи тахи очилмаган дўппига тушди, севинч билан уни қўлга олди, миннатдорчилик билдирди. Ойдин, Мардлик — мангулик. Тахига солмоқ букилган, қайрилган жойидан қайта букиб, яна аслидай қилиб тахлаб қўймоқ. [Кумуш] кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахига солди ва ўздан жавоб кутиб турган ачаси билан онасига деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Териб, тахлаб қўйилган нарса ёки унинг ҳар бир тахлами. Бир тах пул. Тахи бузилмаган 1) янги, кийилмаган, тутилмаган. Қимсан тахи бузилмаган катта костюмининг енгини осилтириб кўчада ёлғиз турар экан, ўзига-ўзи кулагили кўриниб кетди. А. Мухтор, Туғилдиш. Она тахи бузилмаган кўрпачаларни ташлаб, айвонга жой қилди. Н. Ёқубов, Ҳавас; 2) кўл тегизилмаган, ишлатилмаган. Тахи бузилмаган пул. Тах урмоқ зих чиқариб тахлаб, йиғиб қўймоқ (кийим, ўрин-кўрпа ва ш. к.ни). Дўппига тах урмоқ. Урин-кўрпаларни сандиқ устига тах урмоқ.

**ТАХАЛЛУС** [а] Ёзувчи, рассом ёки артистлар традицияга кўра ўзига ўзи қўйиб олган бошқа ном. Мен — Юсуфийман, тахаллусим Уткир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Муҳаммад Раҳим, табиатан музика ва адабиётга ҳаваскор бўлиб, Феруз тахаллусида

шеърлар ёзган. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАХАССУС**. [а] эск. айн. ихтисос. **ТАХАССУСЛАШМОҚ** эск. айн. ихтисослашмоқ.

**ТАХИР** 1 Таъми оғизни буриштирадиган; какра, талха. Тахир дори. Тахир шафтоли. || Қовуннинг тахири чиқди. — Унинг [Салимбойнинг] кенга қора қошли, қўй кўзли, пешанаси серражин чўзиқ юзи худди тахир бир нима егандек буришди. С. Абдуқаҳҳор, Сапамай саккиз дема.

2 кўчма Дағал, тузсиз, бадҳазм (гап, сўз, муомала ва ш. к. ҳақида). Тахир гап. || Менинг ичимдан нима ўтяти-ю, гапингизни қаранг, бодрингга ўхшаб тагидан тахири чиқади-я. Мирмуҳсин, Созанда.

◆ **Тахирини чиқармоқ** шарманда қилмоқ, изза қилмоқ; пачавасини чиқармоқ.

**ТАХЛАМ** Териб, тахлаб қўйилган нарса ва унинг ҳар бир тўпи. Бир тахлам китоб. — Харидорлар арвааларга, туюларга мол ортиб, ёниридан, қўлтиқларидан ғиштдай, гузалдай тахлам қогоз ақани Салимбойоачча олдига тўкиб, санаиди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАХЛАМОҚ** Буклаб, тахига солиб қўймоқ; буклаб, тахига солиб жойламоқ. — Худо ғазаб қилган бандасини шу кўйга солади, — деди кампир васиқаларни тахлайтиб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У қайроқ бурғой унидан ёлғик патир, сомса ёпди, қатлама пиширди, Норматнинг кийимларини тахлаб чамадонга жойлади. И. Раҳим, Чин мухаббат. | Устма-уст, ёнма-ён қўйиб, териб жойламоқ. Утин тахламоқ. Ғишт тахламоқ. Олма тахламоқ. — Ота чайланинг тўрига тахлаб қўйилган кўрпалар устидаги ёстиққа ишора қилди. — Ҳеч уялиб-нетиб ўтирма. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАХЛАМ-ТАХЛАМ** айн. тах-тах. Тахлам-тахлам кўрпа-тўшак.

**ТАХЛАНМОҚ** тахламоқ фл. мажҳ. н. Кийим тахланган жавон. Учбурчак қилиб тахланган хат. — Токчалари ҳар хил қимматбахо асбоб-ускуналар билан тўла бўлган, тахмонларида ипак, атлас кўрпалар шипа қадар тахланган. Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАХЛАТМОҚ** тахламоқ фл. орт. н. Китобларни тахлатмоқ. Утин тахлатмоқ.

**ТАХЛАШМОҚ** тахламоқ фл. бирг. н. Ғишт тахлашмоқ.

**ТАХЛИТ** [а] 1 Ташқи кўриниш, шакл, қиёфа. Одам тахлитидеги маймун. Ака-ука қуйиб қўйгандек бир тахлитда. — Баъзи жойда квадрат аниқ, баъзи жойларда тахлити ҳам йўқ. И. Раҳим, Ихлос. — Энди гўнга бир челақ сув қуй-да, қўлинг билан мижғилаб тоза пиштанингидан келин, битта-битта мана шу тахлитда, — деб отинийи девордаги таппиларни кўрсатди, — таппи ясагин-да, деворга ёнавер. П. Турсун, Ўқитувчи.

Шу пайт вишқандан сарғиш қошли, полвон тахлит бир йигит қилиб келди. П. Қодиров, Қадрим. Қуюн савлат, бўрон тахлит Уғиллар ўстиролган халқ. Ғ. Фулом.

2 Усул, тарз, йўсин. Иш тахлити. Юриш-туриш тахлити. — Уларнинг турмуши шодлик ҳам кўрмай, ачиқ-чуқуни ҳам сезмай, шунчаки бир рўзғор тебратилиш тахлитда ўтди. И. Раҳим, Ихлос. Хачирга миниб, сиз билан бир тахлитда бораман. «Латифалар». Домла шу тахлит дарс бера туриб, бирдан муллаваччалар қаторида кўз юзуртира бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАХЛОҒЛИК** Тахлаб, териб қўйилган, тахланган. Тахлоглиқ қоғоз. — Нисора кўз ёшини артиб, тахлоглиқ турган китоблар ичидан дафтар олди. С. Анорбоев, Оксой.

**ТАХМИН** [а] Уйлаб, чамалаб, мўлжаллаб ёки қандайдир мулоҳаза ва ш.к.га асосланиб қилинган фараз, чама, гумон. Ана шундан кейин... одамлардан бири ўз тахминини сўзлай кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўраан захотим ўзбек қизмикан, деган эдим, тахминим тўғри чиқди. Ойдин, Сухбати жонон. Зийдилланинг тахминича, Комил афанди Бўронбекнинг уйига етиб келган ва агар келмаган бўлса ҳам, ҳозир етиб келиши керак. Ҳ. Фулом, Машғал. — Қанча ўғирланган? — Менинг тахминимча, икки ботмон ўғирланган. Айний, Қуллар. ...деб тахмин қилмоқ (ёки этмоқ) ...деб ўйламоқ, ...деб гумон қилмоқ. Мен сени кетиб қолгансан деб тахмин қилиб эдим.

**ТАХМИНАН** [а] рви Тахминга кўра; чамалаб, тахмин қилиб олганда (айтганда, кўрганда). Лесной разведки билан область марказининг ораси тахминан икки юз километр келарди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон нзидан. Қамчи охири марта қаторасига ўқ отилган жойни тахминан мўлжалла олган бўлса ҳам, тўқайе кирганда мўлжалдан адашди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ТАХМИНИЙ** [а] Тахминга асосланган, тахмин, чама билан белгиланган, тахмин қилинган; дастлабки, хوماки. Тахминий маълумот. Тахминий ҳисоб. — Тахминий гаплар қулоққа ёқмайдиغان бўлиб қолди. Режасиз, таваккал иш фақат зарар келтириши мумкин. Ҳ. Фулом, Меҳнат ва гўзаллик.

**ТАХМИНЛАМОҚ** Тахмин асосида ҳукм чиқармоқ, тахмин қилмоқ, чамаламоқ, мўлжалламоқ. Қасосб. қўйни, гўшт-ёғи билан, қирқ беш кило тахминлади.

**ТАХМИНЛАНМОҚ** тахминламоқ *фл. мажҳ.* н. Харсаннинг вази бир тонна тахминланди.

**ТАХМОН** Уй ёки айвон деворида — сандиқ ўрнатиб, устига ўрин-қурпа йиғиб қўйилгандаги тоқчасмон маҳсус жой. Уйнинг тўрида иккита тах-

мон. Тахмонга ўрин йиғмоқ. — Холдорхон тахмондан кўрпача олиб ёзди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ТАХТ** I [ф-т] I Расмий қабул ва бошқа тантанали маросимларда шох, хон ва амир ўтириши учун сарой тўрига ўрнатилган, махсус безатиб ишланган жой, ҳашаматдор ўриндик. Хон тахтада эди. Унг тараф курсида Абдурахмон офтобачи ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўтирар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Азизбек. «жавоҳир қадалган тожлар, олтин тахтлар, нозининг наривашилар, дондор маҳрамлар» ҳақидагина ўйлар эди. А. Қодирий, Утган қувлар. Аёллар кўприк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиршиди: «Дод золимларнинг дастидан! Оқ подшонинг тахти куйсин! Қораси ўйсин!» Ойбек, Қутлуғ қон. Зулм, тахтага қариши исён. Шарқ кўксига қайнаб тошди. Файратий. Тахтага ўтирмоқ (ёки чиқмоқ, минмоқ) I) шох, хон, амир лавозимига кўтарилмоқ, ҳокимият тепасига чиқмоқ. Худоберхон 1283 йил тахтага ўтиришида ёшини охиқ — бий хазинасига на эга бўлган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) кўчма с. т. бирор вазифага, лавозимга кўтарилмоқ. Халиловнинг теҳникаси, Халиловнинг ўзи ҳам эскириб қолган эмиш. Сен қоч, мен чикаман тахтинга дегани эмасми, бу тирмизакнинг. И. Раҳим, Ихлос. Тахтдан тушмоқ (ёки йиқилмоқ) I) шохлик, хонлик, амирлик лавозимдан ажралмоқ, ҳокимият тепасидан тушмоқ. Замона бундоққина бўлди-ю, оқ подшо тахтдан йиқилиб, бизлар ёруғликка чиқиб қолдик. Ойдин, Ширинга мактуб. Онахон оқ подшонинг тахтдан туширилганлигини.. Собиржондан эшитди. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) кўчма с. т. вазифасидан, амалидан тушмоқ, бекор бўлмоқ. Яхшиси ўша кунни, ошпазлик тахтидан тушган кунинг, ўзингни осиб қўя қолсанг ҳам бўлади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўчма с. т. Давлат, бойлик, мол-мулк. Вой, Нуруниса, — қошларини маънодор чимириб жавоб берар эди қайнана, — эшитмаганмисиз, қадимгилардан қолган бир гап бор, қизга олтин тахт эмас, бармоқдай бахт тила. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАХТ** II Фойдаланиш ёки ишлатиш учун тайёр, шай; муҳайё. Пахта теримига машиналар тахт қилиб қўйилди. — Милтиқлар тахт, отлар тайёр, лекин кимнингдир қуш олиб келишини куттишар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Менга ёзан хатлариндан бирида Урмонжон илмга сажда қилган одам деган эдинг, демак, қолхозда сенга ҳамма шарт-шароит тахт эканига шубҳа йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинон. Ярим соат ичида ҳамма нарас тахт бўлган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Партия-мизнинг XXI съезди белгиланган тадбирлардан руҳланган пахтакорлар кузда-ёқ ерларни шудгорлаб, экишга тахт

қилиб қўйдилар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

♦ Тахт турмоқ чидаб, бардош бериб турмоқ; тек турмоқ; сабр қилмоқ. [Шарофат] газабидан эмас, отилаётган нарсаларга чап бермай тахт турган Сидиқжоннинг олов сояётган кўзларини кўриб, қўрққанидан отар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

**ТАХТА** [ф-т] I Ғўладан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги. Қарағай тахта. Тахтани рандаламоқ. || Тахта каравот. Тахта кўприк. — Тахтадан қўполгина қилиб ясалган узун столга қизил алвон ёзилган. Ҳ. Фулом, Машғал. Ғуломжон.. даладаги теракторларидан тўртта бақатеракни кесдириб, тахта тилдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўр билан хат ёзиш учун махсус ясалган мактаб-ўқув қуроли; доска. Хонада ўн тача эски чанг босган парта, киравершидаги деворга каттақон қора тахта таққилан эди. П. Туреув, Ўқитувчи. Болаларда дафтари қалам, синфда тахтаю бўр бўлса ҳам, ўқуш китобларининг йўқлиги Ғуломжонни ёмон дилхун қилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 тар. Абжад ёзилган дастали тахтача (эски мактабда ўқув қуроли сифатида ишлатилган). Тахтага тушмоқ тахтага ёзилган абжадчи ўқий, ёдлай бошламоқ.

4 Турли форматдаги тўрт бурчак яхлит қоғоз, варақ. «Қочин! Ўзим ёзаман», дедим. Ўтириб, етти тахта қоғозни тўлдирдим, эшитганларимнинг ҳаммасини ёздим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. || Анави қуттида яхши, кўк чиққил тахта қоғоз бор, ўшандан икки вағанини олиб, мана бу ерга ўтир, қизим [деди Онахон]. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Шу тахлитдаги ойна, тош, металл ва ш. к.; плита. Мармар тахта. Бир тахта тунука. Бир тахта ойна. || Тахта чой. — Майдоннинг бир чеккасидаги кекса мажнун тол остида бир-бирига суяб қўйилган иккита қора тош тахта соғона шаклини олиб турар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

5 қ. х. Марза билан ажратилган ер бўлаги; карта. Икки тахта полиз. Туянинг ҳазили бир тахта ғўзани ейди. Мақол. — Сойга тушгунча кўндаланг эгати алоҳида тахта бошланади. А. Қодирий, Обид кетмон.

♦ Шаҳмат тахтаси шаҳмат доналари тикиб ўйналандиган оқ-қора катакли тахта, шахмат қутиси. Мезонлар.. столнинг икки ёғида хомуш ўтиришар эди. Столнинг устида доналари сочилган шахмат тахтаси, бир четда патефон. А. Қаҳҳор, Мирзо. Хурмат тахтаси қ. хурмат. Шаҳар хурмат тахтаси. — Кундузги жўйқиллик тинади аста, Бошланган далада сафоли оқшом. Ёзилган каттақон хурмат тахтага Довруғи таралган шарафли кўн ном. Файратий. Тахта бўлиб қолмоқ ёки тахтадай қотиб қолмоқ қўрқувдан ёки



хайратдан тонг қотиб қолмоқ, хайрон бўлиб қолмоқ. *Мезбон, у билан икки-уч оғиз гапиршиди-да, билмадим, нима сир ўтди-ки, турган ерида тахта бўлиб қолди.* А. Қаҳхор, Сароб. «Бечора!» она тахтадай қотиб, нафас олмайди. Юзини боласининг бағрига босади, юм-юм йиғлайди. А. Абдуазимов, Нигоронлик сезмасин қадрдонларим. **Тахтага олмоқ** (ёки **тортмоқ**) айн. исканжага олмоқ к. **исканжа**. *Ғиёсиддин қизиқ ҳола тушди. Оқсоқол уни икки мода билан тахтага тортиб, тил-жағини боғлаб қўйган эди.* С. Аҳмад, Хукм.

**ТАХТАБАНД** [ф-т] кам қўлл. Тахта қоқылган; тахта билан қуршалган, ажратилган. *Тахтабанд девор.* — Дераза ва ишкли, таги тахтабанд, усти тунукали икки уй, бир ошхона, бир оғилхона ва бир хашиқхона — тамом! А. Кодирий, Обид кетмон.

**ТАХТАКАЧ** 1 махс. Устма-уст қўйилган икки тахтачадан иборат, орасига бирор нарса, мас. тайёрланган дўппи қўйиб сиқини, тах солиш учун ишлатиладиган асбоб; **исканжа**. [Мехрихон] янги битказган дўппини тахтакачага бостирди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Телпаени қозиққа олиб, ҳозиргина тахтакачадан чиққандай янги чуст дўпписини чўғғилаб кийди-да, сўради.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Синган аъзо суягини қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш учун ишлатиладиган тахтача. *Оёққа тахтакач боғламоқ.* — *Ахир у салкам бир йилдан буён.. тахтакачада ишга тикилганча ётибди.* Э. Охунова, Кўз кўзга тушганда.

3 тар. Айбдорнинг бўйнига солиб, боғлаб қўйиладиган жазолаш қуроли.

4 Ёнғоқ ўйинида: соққани қўйиб отиш учун мосланган тахта асбоб. *Соққани тахтакача қўйиб отмоқ.*

**ТАХТАКАЧДАЙ**, =дек Семириб териси таранг торган; таранг, семиз. *Соғлиқ кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозора мунчалик биққи қўй йўқ деса, бўлади.* С. Абдулла, Соялар. *Доим боқувда турган, орқасига эгар ботмай тахтакачдай.. семириб кетган тўриқ, эғасининг оёғи узангига тегиши билан, кўчага қараб интилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАХТАКАЧЛАМОҚ** 1 Тахтакач орасига олиб, қисиб қотирмоқ. *Дўппини тахтакачламоқ.*

2 Синган аъзо суякларини тахтакач орасига олиб, сиқиб боғлаб қўймоқ. *Бобоқул ота қаяқдандир ёғоч топиб келди. Уни Нигора айтгандай қилиб йўнди. Икковлашиб Шербекнинг дод-войига ҳам қулоқ солмай, чап қўлини тахтакачлаб, боғлашди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАХТАЛАМОҚ** 1 кам қўлл. Тахта қоқиб ўрамоқ.

2 Тахта ҳолига келтирмоқ, тахта қилмоқ. *Қоғозни тахталамоқ. Металлни тахталамоқ.*

**ТАХ-ТАХ** Бир неча тахладан иборат бўлган; тахлам-тахлам. *Тах-тах ўрин-кўрпа.* *Тах-тах пул.*

**ТАХТА-ЎҚЛОҒИ** Оштахта ва ўқлоғи. **Тахта-ўқлоғини йиғиштирмоқ** 1) хамир ёйиб бўлгач, тахта, ўқлоғи ва бошқа асбобларни йиғиштириб қўймоқ. *Масъуда тахта-ўқлоғини йиғиштириб, ошхонага қараб кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема; 2) айн. дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ (ёки кўтармоқ) қ. дов-дастгоҳ. [Шокир ота] «Повуркон» моллари ҳар ёқни тўладириб, қосибларнинг бозорини касод қилганлиги, иши чиптакка чиққан қосиблар бирин-кетин «тахта-ўқлоғини» йиғиштираётганлиги ва ҳоказони тасвирлаб кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАХТИ-БАХТ** [ф-т] Бойлик, давлат. *Тахти-бахтини ташладим, Қаландар бўп йўл бошладим.* «Рустам». [Жамила:].. Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо. Мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ТАХТИРАВОН** [ф-т] 1 Шарқ мамлакатлари ва Жанубий Америкада: олий мартабали шахслар ўтқазилиб, елкада олиб юриладиган, усти берк хашамдор замбар. *Бизлар Шохруҳ жанобларини суяб, хачирдан туширдик ва авайлаб тахтиравонга солдик. Тўрт мулозим ул тахтиравонни елкалаб, лашкароғоҳаги бир чодирга элиб, ўша ерга жанобларини ётқиздилар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

2 кўчма Равон, текис (йўл ҳақида). *Фабриканинг йўлини тахтиравон десанг-чи, Фабриканинг қизини қанддақ ўрик десанг-чи.* «Фольклор».

**ТАХТЛАМОҚ** Тайёр, шай ҳолга келтирмоқ, тайёрлаб, тахт, шай қилиб қўймоқ. *Сафар анжомлари тахтлаб қўйилди.*

**ТАХТЛАНМОҚ** тахтламоқ *фл. мажҳ.* н. *Сафар анжомлари тахтланди. Мактаб ўқув бошланишига тахтланди. Ер майдонлари чигит экишига тахтланди.*

**ТАХУРАР** этн. Ўғил тўйига атаб тикилган кўрпа-тўшақларни тахмондаги сандиқ устига кўз-кўз қилиб йиғишга — тахт уришга бағишланган, фақат хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган кичик тўй маросими.

**ТАЧАНКА** [р] Икки от қўшилидиган усти очиқ енгил тўрт гилдиракли арава. *Шошмай турларинг. Хали замон тачанка ҳам келиб қолади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ТАЧКА** [р] Юк ташини учун ишлатиладиган якка гилдиракли қўл арава; замбилғалтак. *Яқиндагина Мамажон ҳам тачка гилдиратар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАШ** 1 Ташқи томон, сирт. *Уйнинг ташини оқламоқ. Мол оласи ташида, одам оласи — ичида.* Мақол. — *Ичимда «тилинг бошингни есин!» деса ҳам, ташимда ҳурмат билан кутар*

эдим, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ташқари, чет. *Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўл.* Мақол. *Дала-тузни сув олси, қўнғир ғознинг тўшидан, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол.

**ТАШАББУС** [а] Бирор ишга бошловчи, даъват этувчи; саъй-ҳаракат, ғайрат. *Илғорлар ташаббуси билан бошланган мусобақа. Ташаббус кўрсатиб ишламоқ.* — *Майин жулни этли қўйлар урчитиши иши ўз ташаббусимиз билан қилинди.* С. Анорбоев, Оқсой. | Бирор ишда бошчилик, етакчилик роли. *Ташаббусни қўлга олмоқ. Ташаббусни қўлдан бериб қўймоқ.* [Элмурод] *бу муваффақиятни тўла ва бутунлай қўлга киритиши учун, бу ишда кўпроқ ташаббус кўрсатаётган Гулсумга, доимий таъсир қилиб туриш лозимлигини ҳеч бир унутмади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАШАББУСКОР** [а+ф-т] Бирор ишни, ташаббусни бошлаб берувчи; бошловчи. *Уста Ҳазратқул янги посёканинг ташаббускори ва раҳбари Ойқиз келатганини кўрди-ю, тезгина юриб қаршисига чиқди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАШАББУСКОРЛИК** ташаббускор с. бели оти. *Ижодий ташаббускорлик.*

**ТАШАББУСЧИ** айн. ташаббускор. *Чернецов мамнун жилмайдди.* — *Буйруқ бор.. Олий бош Қўмондонлик жангчиларни ташаббусчи бўлишга чақирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАШАББУСЧИЛИК** ташаббусчи с. бели оти.

**ТАШАҚҚУР** [а] Яхши хизматини, ишини тақдирлаб билдирилган міннатдорлик. *Ташаққур билдирмоқ (айтмоқ, этмоқ).* — *Николин унинг елкасига оғаларча қўлини қўйиб: — Раҳмат, Бектемир. Хаммани ўз орқангдан эргаштирдинг. Сенга ташаққур эълон қиламан, — деди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Ойқиз ташаққур билдириб, севимли Олимжонни кутди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кумуш мудраган куйи Зайнабга ташаққур айтиб, тўрдаги бурчакка ўтириб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мени ўстирган бу баҳор юртига Ташаққур айтмоққа ҳар тонг ишшаман.* Х. Расул. | *унд. с. вазифасида Мивнатдорчилик билдириш учун ишлатилади. Дўстона ёрдамингиз учун ташаққур!* — *Халқнинг идрок кўзи, виждони — Партияга миң-миң ташаққур!* Ё. Мирзо. *Ташаққур, қаҳрамон советлар халқи, Сен билан яшнади фаровон диёр!* А. Пўлат.

**ТАШАҚҚУРНОМА** [а+ф-т] Яхши хизматини, ишини тақдирлаб берилган ёзма ташаққур, тақдирнома. *Узоқов.. қўшилма командири Иван Ефимович Петровдан тез-тез ташаққурнома ва мукофотлар оlishга сазовор бўларди.* А. Раҳмат, Шонли йиллар солдати.

**ТАШАҚҚУРОТ** [а] кам қўлл. Та-



шаккур; ташаккурлар. *Зоти олдларига жаридамиз чуқур ташаккуротини билдиради.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ТАШАЛМОҚ** с. т. айн. ташламоқ 1.

**ТАШАМОҚ** с. т. Ташламоқ.

**ТАШАШМОҚ** с. т. Уришмоқ, солишишмоқ. *Жўжа хўрозлар роса ташашляпти.*

**ТАШБИХ** [а] ад. Ҳшатиш; мажоз. *Давримни севганимдан, ҳунаримга ишқ, Ташбиҳ, қофияларни севаман яна.* Ғ. Ғулом. *Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари туяунмайдиған истилоҳ, таъбир, ташбиҳ ва жумла йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАШВИШ** [а] 1 Зиммадаги вазифа, кўзланган иш ва ш. к. ҳақидаги ўй-фикр; уларни амалга ошириш йўлидаги уриниш, ҳаракат, тарадду. *Рўзгор ташвиши.* Тирикчилик ташвишлари. *Тўй ташвишлари.* — *Ҳар бир куннинг ўзига хос иши ва ташвиши бордир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Адолат кечаси билан чанқок гўзалар ташвишида ухломлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Мирбадал:] «Победа» ташвишида юрдим-да, хўжайин. *Сигнални ҳам янгиладим: мана энди «Победа» деса бўлади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Зокир ўз бўйнига олган ташвишининг нақадар қийинлигини энди сезди ва терлаб кетган Шавкатга қараб ўшқирди.* П. Қодиров, Уч илди.

2 Қайғуриш, хавотирлик, безовталик каби хис-туйғу; ғам, қайғу. *Ташвиш тортмоқ (чекмоқ).* Бошига (кўнглига) ташвиш тушди. *Уйламай қилинган иш бошга келтирар ташвиш.* Мақол. — *Бектемир ётан ерида кўрдан кўз узмади, лекин юраги аллақандай ташвиш, сабрсизлик ва ғашлик билан ура бошлади.* Ойбек, Куёш қораймас. *Қанизак Сидиқжоннинг юзидаги зўр ташвиш ифодасини кўриб унга раҳми.. келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Дунёда халқлар кун кечирса тинч, Отаналар ташвиш тортмас ҳеч.* И. Муслим. *Э, Меҳриниса опа, ташвиш тортманг, Қўрқмас ҳаммамиздан ҳам пишиқ-бийрон.* Темир акамнинг ўғли эмасми! З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. [Хушрўй] *қуда хотинларнинг олдларига келиб бетларига айтадир: «Хали мен эрсираб қолганим йўқ, фотиҳа ўқиб ташвиш чекмай, уйларингга жўйиб беринглари!»* А. Қодирий, Утган кунлар. — *Кўришимганимизга анча бўлди, — базўр жавоб берди Йўлчи, — кишининг бошига ҳар хил ташвиш тушар экан-да!* Ойбек, Кутлуғ қон. *Ташвишга солмоқ (ёки қўймоқ, туширмоқ)* 1) тинчини бузмоқ, безовта қилмоқ, уринтириб қўймоқ. — *Ташвишга солдикми? — деди бика, қоракўл пафогини бошидан олиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Март ойидача мўътадил бўлиб турган ҳаво бирданга айнади.* Табиатнинг бу нотанлиги пахтакорларни ташвишга солиб қўйди. Н. Сафаров, Хадича Ахророва; 2) қайғуртирмоқ, ғам-қайғуга, хавотирликка

солмоқ. *Қобил карвоннинг қамоққа олинishi Абдураҳмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди.* Х. Ғулом, Машғал. **Ташвишга тушмоқ** 1) тинчи, ором бузилиб безовта бўлмоқ, уринмоқ. *Кўз ҳавоси паст келди: колхозчилар ташвишга тушиб қолишди; 2) ғам чекмоқ, хавотирликка тушмоқ.* [Ҳасанали] *бу ўртада қандай ташвишларга тушмади, сўрасангиз.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАШВИШЛАНМОҚ** 1 Овора, безовта бўлмоқ, уринмоқ. *Биз учун ташвишланманг, шошиб турибмиз.*

2 Ғам-ташвиш чекмоқ, қайғурмоқ; хавотирликка тушмоқ, хавотир бўлмоқ. — *Нима бўлди: катта бувинг оғридимми ё бувинг бетобми? — ташвишланиб сўради Ғуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Епирай, нима бўлди болаларимга?» — деб, ота ташвишлана бошлади.* Х. Ғулом, Машғал.

**ТАШВИШЛАНТИРМОҚ** ташвишланмоқ фл. орт. н. Бунинг устига Элмурод муҳаббати уни ташвишлантирмас, балки қалбини қандайдир илиқ нур, жўшқин ҳаёт завқи билан тўлдирар эди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Унинг мунчалик вазминлиги Юрьевга ёқмади. Вақт эиқ, вазият хавфли.* Юрьевни безовта қилаётган нарса нега уни ташвишлантирмайди энди? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТАШВИШЛИ** Ташвиш билан тўла; ғамли, ғамнок. *Ташвишли хабар. Ташвишли чехра. Ташвишли дамлар.* — *Учқоқдаги ўт Ғуломжоннинг ташвишли юрагига умид бўлиб кўчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Онанинг барча ташвишли йўллари совун кўпигидай ўчди. Воқеа равиан эди. Энди Элмуродни ўйлаб фикрга чўлди.* Шухрат, Шинелли йиллар. || *Шербекнинг юраги ташвишли ура бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. | *Кишини ташвишга соладиган, уринтирадиган; ғалвали. Ташвишли иш.*

**ТАШВИШМАНД** [а+ф-т] Бошига бирор ташвиш тушган, ташвиш тортаётган. *Қутбиддинов суҳбатнинг бошланишида жиндай ташвишманд бўлганиданми, бу сафар мавзу шаҳарнинг келажаги.. эмас, бола тарбияси бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Ужар.

**ТАШВИШНОК** [а+ф-т] кт. айн. ташвишли. *Муқимий ташвишнок бир вазиятда ҳужрасига кириб, Ғарибий билан сўзлашиб ўтирган бир йиштини учратди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ТАШВИШСИЗ** Ташвиши йўқ, беташвиш, хотиржам. *Ташвишсиз киши. Ташвишсиз ҳаёт.* || *Ташвишсиз яшамоқ.*

**ТАШВИК** [а] кт. Ташвиқот, агитация. **Ташвик қилмоқ** (ёки юргизмоқ) 1) ташвиқот олиб бормоқ, агитация қилмоқ, агитация юргизмоқ. *Аҳмад Хусайн бу тағлимотни ташвик қилувчилар билан ҳеч вақт муносабатда бўлмаган.* Ойбек, Нур қидириб; 2) ундамоқ, даъват қилмоқ. *Ўз вазифангизни бажариб чиқиб кетавермасдан.. озо-*

даликка ташвиқ қилинг, уялтиринг. *Шунда иш чиқади.* С. Анорбоев, Оқсой. [Тожибой] *ҳамсуҳбатига бошига тушган ташвишини баён қилди ва ўзига хос усулда тарафдорликка ташвиқ қилди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТАШВИКҲИЙ** [а] Ташвиқотга; ташвиқот юргизишга оид; агитацион. *Ташвиқий ишлар. Ташвиқий ишорлар.*

**ТАШВИҚОТ** [а] 1 Оммага сиёсий таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар; агитация. *Динга қарши ташвиқот. Ташвиқот ва тарғибот ишлари. Ташвиқот юргизмоқ.* — *Ҳай, хотин киши экансиз, эркак киши бўлганингизда бу тескари ташвиқотингиз учун соғ қўймас эдим.* П. Турсун, Уқитувчи. [Петров] *Тошкентга келиб, темир йўл мастерскойларида ишлай бошлади. Ишчилар орасида урунги қарши ташвиқот юргизгани ва забастовка ташвиқ қилгани учун қамалди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

2 с. т. Ундов, даъват. *Сут билан кирган, жон билан чиқар деганларидек, Ўзбек оймагининг ўша вақтлардаги ташвиқотлари ҳам, унинг [Зайнабнинг] тарафидан фақат «келинлик» мажбурийати остида қабул қилинди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Шу кечаю кундузда ташвиқот сизга жуда ҳам зарур. Қулоқ солинг, фойдаси тегади!* Уйғун, Навбахор. *Биз сизга ташвиқот қилгани келганимиз йўқ. Очик гаплашгани келдик.* Х. Ғулом, Машғал.

**ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ** [а] Агитация ва пропаганда. *Ташвиқот-тарғибот ишлари. Ташвиқот-тарғибот юргизмоқ.*

**ТАШВИҚОТЧИ** Ташвиқот билан шуғулланувчи, ташвиқот олиб борувчи киши; агитатор. *Ҳар бир онели ишчи бизнинг улуг ҳақиқатимизнинг ташвиқотчиси бўлиши керак.* Ойбек, Нур қидириб. *Рафиқов, биз юқорида баҳо берганимизча, унчалик уста ташвиқотчи.. эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАШВИҚОТЧИЛИК** ташвиқотчи с. мавж. от. Ташвиқотчилик қилмоқ. — *Унинг ташвиқотчилигига лозим бўлган ижодни ёки илҳомни шу манба, яъни инқилобий самимият манбаи ҳудя қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАШДАН** рвш Ташқи томондан, сиртдан. *Ёғ хумчаси ташдан билинур.* Мақол. — *Болохона бўғот томли, ташдан кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим — қадимча эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Ташдан қараганда кириш с. кўринишига қараб ҳукм чиқарганда, сиртдан. Бу иш, ташдан қараганда, жуда осон кўринади.*

**ТАШДИД** [а] Араб ёзувида ундошнинг такрорийлигини билдириш учун ундош устига қўйиладиган диакритик белги.

**ТАШИЛМОҚ** ташимок фл. мажҳ. н. Эрта билан Ҳасанали аравани қўшиб тайёрлаган, майда-чуйда аравага ташилар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Хирмонларга уюлган кўраклар*

пана жойларга ташилди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

**ТАШИМОҚ** 1 Нарсаларни бир ердан иккинчи ерга кўтариб ёки транспорт воситаларига ортиб кўчириш, элтмоқ. Челада сув ташимоқ. Машинада фиш ташимоқ. Нон емоқни бўлсанг, ўтин ташийдиган эринма! Мақол. — Тўйбека ичкари билан ташқарига юзуриб дастурхон янгилар, чой ташир эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Теварак атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоплаб тупроқ ташийётган қанчадан-қанча одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Бойга ўхшамайсизлар. Ахир, вишкларингда бирорта хизматкор бўлмаса, ўтинни хотинлар ёрса. Кўпинча сув ташийдиган одам топилмай суевис ўтираемиз. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Ўзлаштириш мақсадида олиб кетмоқ. Нима кўрса уйига ташийди. Таший кетмоқ.

◆ Гап ташимоқ қ. гап I 1.

**ТАШИТМОҚ** ташимоқ I фл. орт. н. Ҳозир тоғдан иморатдон тошлар чиқаяпти, шуларни эртдан ташитаман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кумушибиби бу қўрқинч уйда ёта олмаслигини билдиргани учун, Офтоб ойм Тўйбекадан Кумушининг буюмларини иккинчи уйга ташита бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАШИШМОҚ** 1 ташимоқ фл. бирг. н. Фиш ташиймоқ. Сув ташиймоқ. — Фуломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқаришиб ташийар эмиш. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қимсаннинг юкини ташийшга ёрдамлашмоқ. Ўртоғимнинг кўмирини ташийдим.

**ТАШКИЛ** [а]: ташкил қилмоқ (ёки этмоқ) 1) уюштирмоқ, тузмоқ. Тўғарак биздан бу ишда раҳбарлик ташкилотчилиқ талаб қилаёттибди. П. Турсун, Ўқитувчи. **ТАШЛАМА** қ. х. Партов сув чиқариб юбориладиган махсус ўзан. Сел суви хайқирган ҳолда чуқур ташламага тушиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Олабуқа сув омборининг ташлама суви катта селхонага тушиб бекор оқиб ётади. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлар.

**ТАШЛАМОҚ** 1 Нарсаларни ерга, пастга туширмоқ, тушуриб юбормоқ. Олма узиб ерга ташламоқ. — Фуломжон супурғини ташлаб, қўлларини қоқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Улоқтирмоқ, иргитмоқ, итқитмоқ, отмоқ. Дўппини осмонга ташламоқ. — Саид Жалолхон раиснинг олдидаги қатиқни қўшқулоғи билан олиб чиқиб ариқча ташлади. А. Қахҳор, Башорат. | Нарсани бирор нарса устига, остига ёки ичига йўналтирмоқ. Қозонга туз ташламоқ. Яшикка хат ташламоқ. Оғзига бир неча донга узум ташламоқ. Таш ташега нос ташламоқ. Учоққа ўтин ташламоқ. — Жувон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик таш-

уюштиришга, ташкилотчиликка оид; тузиш, тузилиш билан боғлиқ бўлган. **Ташкилий ишлар**. **Ташкилий чоралар**. **Ташкилий масалалар**. — **Партиянинг ташкилий тузилишининг раҳбар принципи демократик центральлик бўлиб, бу принцип қуйидагилардан иборатдир**. «КПСС Устави». **Ташкилий суратда** (ёки **равншда**) уюшган ҳолда; уюшқоқлик билан. **Ташкилий суратда иш бошламоқ**.

**ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ** [а] Тузиш-тузилиш ва сиёсий масалалар билан боғлиқ бўлган. **Ташкилий-сиёсий ишлар** **ТАШКИЛИЙ-ХЎЖАЛИК** Бирор ташкилотнинг тузилиши ва хўжалигига оид. Қолхозимизни ташкилий-хўжалик тарафдан мустаҳкамлаш ҳам-мамизнинг вазифамиз. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**ТАШКИЛОТ** [а] Ижтимоий, хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси. Бошланғич партия ташкилоти. **Ижтимоий ташкилот**. Қасаба союз ташкилотлари. Савдо ташкилотлари.

**ТАШКИЛОТЧИ** Бирор ташкилотни тузган ёки тузувчи; бирор иш-харакатни бошлаб берган, ташкил этган, уюштирган ёки уюштирувчи ва унга бошчилик қилувчи шахс ёки ижтимоий гурупа. **Моҳир ташкилотчи**. **Ижтимоий мусобақа ташкилотчилари**. — **Партия аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлган корхоналарда кандидат группалари.. тузилиб, бу группаларга.. партия ташкилотчиси бошчилик қилади**. «КПСС Устави». **Ўрмонжон Капанчилар қшилоғидаги «Кўшчинор» колхозига партия ташкилотчиси бўлиб кетибди**. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ТАШКИЛОТЧИЛИК** 1 ташкилотчи с. белги оти. Ўз ташкилотчилигини намоиши қилмоқ.

2 Ташкилотчи иши, фаолияти. **Халқ биздан бу ишда раҳбарлик ташкилотчилиқ талаб қилаёттибди**. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАШЛАМА** қ. х. Партов сув чиқариб юбориладиган махсус ўзан. Сел суви хайқирган ҳолда чуқур ташламага тушиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Олабуқа сув омборининг ташлама суви катта селхонага тушиб бекор оқиб ётади. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлар.

**ТАШЛАМОҚ** 1 Нарсаларни ерга, пастга туширмоқ, тушуриб юбормоқ. Олма узиб ерга ташламоқ. — Фуломжон супурғини ташлаб, қўлларини қоқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Улоқтирмоқ, иргитмоқ, итқитмоқ, отмоқ. Дўппини осмонга ташламоқ. — Саид Жалолхон раиснинг олдидаги қатиқни қўшқулоғи билан олиб чиқиб ариқча ташлади. А. Қахҳор, Башорат. | Нарсани бирор нарса устига, остига ёки ичига йўналтирмоқ. Қозонга туз ташламоқ. Яшикка хат ташламоқ. Оғзига бир неча донга узум ташламоқ. Таш ташега нос ташламоқ. Учоққа ўтин ташламоқ. — Жувон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик таш-

лади. А. Қахҳор, Қўшчинор. | **Қимса ёки нарсага бермоқ, солмоқ. Эгасини сийлаган, итига суяк ташлар**. Мақол. — **Холмурод.. сизирларга пичан, отга беда ташлади**. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ақаси, бирон соатдан кейин отга озроқ беда ташлаб қўй!** С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Устидан ошириб, тушириб қўймоқ, солмоқ; ёпмоқ. **Кумуш кўзини очиб куч билан қўлини эрининг елкасига ташлади**. А. Қодирий, Утган кунлар. **Эргашев, чакмонни елкасидан ташлаб, йўл ёқасидани траншеяга ўзини олдди**. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши. **Бу орада Хайича буви ҳам бошига чопон ташлаб югуриб чиқди**. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Лаъли паранжи-чачвонини олоқ, биланга ташлаб, севганига термулиб қолди**. Ҳ. Фулом, Машъал.

3 Тушириб қолдирмоқ. **Посад Хилково станциясига ташлади-ю, кетаверди**. Ойдин, Келин ўғил туғибди.

4 Бир ишдан иккинчи ишга ўтказмоқ; сафарбар қилмоқ. **Мен раислик ҳуқуқим билан янги ер очишни ҳам, посёлка қурилишини ҳам тўхтатиб, барча одамларни ёйга параваршига ташлайман**. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 Ваз кечмоқ; барҳам бермоқ, тарк этмоқ. **Чекшини ташламоқ**. **Ёмон одаларни ташламоқ**. **Паранжи ташламоқ**. — **Хўш, гинани ташлаган бўлсангиз.. деди йўлакай имом.. — нега боя уларнинг олдида оғзингизга келганини ўтладингиз?** А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Бюрода Бегимхоннинг эрга тегаман деб, мактабни ташлаб кетиши масаласи муҳокама қилинди**. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Холи қолдирмоқ ёки қимсаннинг ихтиёрига топширмоқ. **{Унсин} болаларни ташлаб чиқолмаганини баҳона қилди**. Ойбек, Кутлуғ қон. — **Сен аҳмоқсан, Гулиан опа! — дер эди Кумри.. — эрингни ёлғиз ташлаб, биз «бўйдоқлар» ичиди нима маъно топасан?** А. Қодирий, Мехробдан чаён. **{Зайнаб} меҳмонларни Ўзбек оймнинг танҳо ўзига ташлаган эди**. А. Қодирий, Утган кунлар. **Алоқани узмоқ, ажралмоқ. Лаъли эрини ташлаб, бек билан бутунлай кетиб қолса, шундагина Зиёдиланинг кўнгли.. бир қадар таскин олган бўларди**. Ҳ. Фулом, Машъал.

7 Пасаймоқ, тушмоқ. **Совуқ бир оз ташлади**. **Нархлар анча ташлади**. **Бозор ташлади** бозорда нархлар пасайди.

8 Ирғиб тушмоқ. **Мадамин даричадан ташлаб қочди**. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўзини ташламоқ** 1) ўзини отмоқ, йиқилмоқ. **Кампир додлаганича бориб, ўғлининг ўлиги устига ўзини ташлади**. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. **Хотинлар йиғлашиб, ҳаллослашиб келиб, бири у, бири бу отнинг оёғига ўзини ташлади**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ирғиб тушмоқ. **Отдан шундай ўзимни ташладим, орқага қайтдим**. А. Қахҳор, Қўшчинор; 3) ташланмоқ. **Менга**

сизнинг мезожингиз керак эмас... Ўзингиз! . . . деди [Зайнаб] ва йиғлаб ёлворган ҳолда Отабекнинг кучоғига ўзини ташлайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 *кўчма* Кўймоқ; бермоқ. *Савол ташламоқ. Шиор ташламоқ. Ариза ташламоқ.*

10 с. т. Қайт қилмоқ, қусмоқ. *У еганини ташлайди.*

11 Шиддат билан ёғмоқ. *Ёмғир ташлаётти. — Кеча гулллаб қор ташлади, бугун унинг қора совуғи ҳамма ёқни қамраб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

12 с. т. Оқсоқланиб юрмоқ. *У чапга бир оз ташлайди.*

13 =(и)б аффикси билан ясалган равишдошли қўшма феъл таркибида кўмакчи феъл вазифасида келиб, ҳаракатнинг тез ва тугал бажарилганлигини билдиради, мас. қириб ташламоқ, сидириб ташламоқ, отиб ташламоқ, уришиб ташламоқ, қўпориб ташламоқ. Бурунни сассиқ деб кесиб ташламас. Мақол. — Раъно.. атлас кўйлакни яшиғина туртиб турган сирли кўкраги устига ён ўрим сочларини олиб ташлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳаёт тўлқини ожизларни қирғоққа иргитиб ташлайди. С. Аҳмад, Уфқ.*

14 =(и)б аффиксли равишдош шаклида қўшма феъллар таркибига киради, мас. ташлаб юбормоқ, ташлаб чиқмоқ, ташлаб келмоқ, ташлаб кетмоқ. **Ташлаб кўймоқ** 1) вақтинча алоқани узмоқ; қаровсиз, эътиборсиз қолдирмоқ. *Ўз ҳолига ташлаб кўймоқ. Ташлаб кўйган қизимиз йўқ. — Эринг сени ташлаб кўйди, сен чурқ этмадинг, истиқболнинг тўғрисида йўлмадинг. А. Қодирий, Ўтган кунлар;* 2) вақтинча ёки маълум вақтга кўйиб кўймоқ. *Тахтани тоғга ташлаб кўй.*

15 Оглар билан бирикиб қўшма феъл ҳосил қилади, мас. одим (қадам) ташламоқ, бола ташламоқ, гап (луқма) ташламоқ, иш ташламоқ, ифст ташламоқ, соя (кўланка) ташламоқ, тоб ташламоқ, хандон ташламоқ.

◆ **Арқонни узун ташлаб кўймоқ** қ. арқон. **Зиндонга ташламоқ** зиндонга солмоқ, қаммоқ. **Шох ташламоқ** қ. шох II. **Кўз (ёки назар, нигоҳ) ташламоқ** қ. кўз. **Кўз қирини ташламоқ** қ. қир II. **Орқага ташламоқ** 1) чекинмоқ, тисарилмоқ. *Бир қадам орқага ташланг;* 2) орқага оғдирмоқ. *Сувдонни лабга тутди, ҳеч нима йўқ; бошини орқага ташлаб, сувдонни кўтарди — бирон томчи бўлсан!* Ойбек, *Куёш қораймас. Сўзини ташламоқ* сўзини ерда қолдирмоқ, рад этмоқ, қайтармоқ. *Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама.* Мақол. *Ўзини томдан ташлайди* қ. том I. *Ўзини у ёқ-бу ёққа ташламоқ* гапни айлантириб, чалғитиб, чап беришга, ўзини олиб қочишга уринмоқ. **Ўлигини ташламоқ** бировга оғирлигини солмоқ. **Ўртага (ёки даврага) ташламоқ** қ. ўрта. **Ўтга ташламоқ** азоб-уқубатга солмоқ,

куйдирмоқ. [Роҳила:] *Кўйинг-э, Фоти-мабуви, давлат деб қизимни ўз қўлим билан ўтга ташлаган эканман!* А. Қажор, Оғриқ тишлар. **Қозонни сувга ташлаб кўймоқ** айн. қозон I. **Қорин ташламоқ** қ. қорин I.

**ТАШЛАНДИ** I Ташлаб кетилган, қаровсиз қолган; ташландиқ. *Ташланди боғ. — «Девонбеги» маҳалласига қайрилиб, бу ерда бир ташланди ҳовлига киришиди. Ойбек, Кутлуг қон.*

2 Ташланадиган, ортиқча, чиқинди. *Ташланди овқат. Ташланди сувлар.*

3 айн. ташландиқ I.

**ТАШЛАНДИҚ** I Кераксиз, яроқсиз ҳисобланиб ташланган нарса; ташланди, чиқинди, чиқит; қолдиқ. *Завод ташландиқлари.*

2 с. т. айн. ташланди I. *Ташландиқ ер. — Ташландиқ боғлардан кўтарилган энгил ҳовур жамирлаб, ҳаво ранг ҳарир пардадек, тоғнинг водийга чўзилган этакларини кўздан яшириб туради. А. Мухтор, Чинор.*

**ТАШЛАНМА** айн. ташлама. **ТАШЛАНМОҚ** I—6, 9, 12 фл. мажх. н. *Ўйнинг тўрига, катта гилам устига ташланган «жойнамоғ» гилам унинг диққатини жалб этди. Ойбек, Кутлуг қон.*

**ТАШЛАНМА** айн. ташлама.

**ТАШЛАНМОҚ** I ташламоқ I—6, 9, 12 фл. мажх. н. *Ўйза барглари юлиб ташланди.*

**ТАШЛАМОҚ** I ташламоқ фл. бир. н. *Бошта [жосани Рокляга узатиб]: Ушланг! Мирбадал билан қошиқ ташлашиб ичинг. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Болалар бир унга, бир тузоқ томонга кўз ташлашарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Уришмоқ, олишмоқ.

**ТАШЛОВ** ташламоқ фл. иш оти. *Кулгу ўрнига кўз ёйлов кун, бу кун, Шахсий ишларни ташлов кун, бу кун. Қора элларни оқартирмоқлик учун Белли маҳкам боғлаб ишлов кун, бу кун. Ҳамза.*

**ТАШМАЛАМОҚ** Ташимоқ; таниб-ташиб олиб келмоқ ёки олиб кетмоқ.

**ТАШНА** [ф-т] I Сувга зор; сувсаган, чанқаган, сувсоқ, чанқоқ. *Одамлар ташна, ер чанқоқ, юрт қақроқ эди. Ҳамма сув деб толлинар, ҳамма сувга интилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сув, ҳавога ташна шаҳарга, Ҳаёт ёриб киргандай бўлди. Э. Раҳим. Қонди ташна боғларимиз, Сувларимиз мўлди. Т. Тўла. [Ғулможон] бирдан ташна бўлганини, муздеккина сув ичкиси келганини сезди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *Кўчма* Бирор нарсага зор, бирор нарса талаб, истовчи.— *Ҳалқимиз осойишталик, фаровонлик, тинчликка ташна,— деди Анвар Мурод. Ойбек, Нур қидириб. Элмурод бадиий асарлар одамларнинг ташна диллариға нақадар роҳат боғишлаганини сезар, лекин бундай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан куйинар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.— Опаси жонидан, дуторингизни чалинг тузукроқ,— деди у [Ма-*

ликаҳон] *Адолатга қараб,— ййин-қулгига ташна бўлиб ётганмиз. С. Зунунова, Гулхан. Қонга ташна қон истовчи, қонхўр. Ғиёсиддин кутгандек замона тинчимади, Темурнинг невараваралари қонга ташна бўрилардек, бир-бирлари билан ғажжишиб, халқнинг қонини сувдек тўжа бошладилар. М. Осим, Зулмат ичра нур. Қонига ташна бўлмоқ* ортиқ азобланмоқ, хуноб бўлмоқ. [Ақбар:] *Ҳа, хўроқ, бунча хўмралсан? [Салим:] Қонингга ташна бўлиб юрибсанми дейман? Уйғун, Хуррият. Қонига ташна қилмоқ (ёки этмоқ)* ортиқ қийнамоқ, хуноб қилмоқ. *Хунарим, маълумингиз — ғазаллар ёзиш; Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна. Ғ. Ғуллом. Холохунбой бу ҳолдан Олади нашға. Этиб меҳнат аҳлини Қонига ташна. Ғайратий.*

**ТАШНАЛАМОҚ** кам қўлл. Ташна бўлмоқ, чанқамоқ. *Ташналаб қолдим.*

**ТАШНАЛИК** ташна с. белги оти. *Сувга ташналик. Бидимга ташналик. — Кўзининг оқу қараса бўлган Отабекнинг ҳоли нима кечди, қоронғи зиндонларда, рутубатлик зах ер остларида очликдан, ташналикдан, совуқликдан азиз кўкрагини ерга бериб жон бердимикин? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида театр катта обрў қозона бошлади, асрий жаҳолат уйқусидан уйғонган халқ санъатга ташналик билан интила бошлади. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**ТАШРИФ** [а] кт. Бирор ерга, элга, хонадонга ёки бирор қимса хузурига қисқа муддатга бориш, келиш; визит. *Таширфингиздан кўп хурсандмиз. — Зиё шохчи бу вақтсиз таширифга тушунма олай, «нима қилиб юрибсан» дегандек, бир неча қайта Ҳасаналига қараб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Таширф буюрмоқ (ёки этмоқ, қилмоқ) келмоқ ёки бормоқ; қадам ранжида қилмоқ. [Мулозим:] Улуғ амир Низомиддин Алишер таширф буюрдилар. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**ТАШРИХ** [а] эск. кт. айн. операция I. *Ёш ҳақим унинг сон ўйишини икки паллага ажратиб ўқни олди, сўнгра малҳам қўйиб ёпиштирди-да, тикиб, боғлаб қўйди. Таширх вақтида тишини-тишига босиб ётган йиғитдан садо чиқмади. М. Осим, Қитобга ихлос.*

**ТАШУВЧИ** I ташимоқ фл. иш оти. *Куй кўпдир аламлар бутун бир олам, Уни ташувчилар яшар саҳрода, Куйларда қақшайди фақирлик ва ғам, Қўйнинг тинловчиси ҳайдайди пода. Х. Олимжон.*

2 Элиб бериш, тарқатиш иши билан шуғулланувчи киши. *Юк ташувчи, Сув ташувчи. — Усмонжон дастлаб партия ташкилотларидан бирида қоровул ва хат ташувчи бўлиб ишлади. С. Зунунова, Гулхан.*

◆ *Гап ташувчи* гап ўғирловчи, бировнинг гапини бировга етказувчи; чақимчи.

**ТАШҚАРИ 1** от Бино, уй, ҳовли ва ш.к.нинг атрофидаги жой; таш. Ташқариға қаранг, қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Дарвоза очилди, ташқаридан саман отини етаклаб Хасанали кирди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**2** от, этн. Ташқи ҳовли (ҳовли-жойнинг эркак меҳмонлар ва умуман эркаклар учун хос, кўча дарвозага яқин томондаги холи қисми; тақ. ичкари **2**). Бойнинг ташқарисида Йўлчидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Қенг ташқари ғарбга чўзилган бўлиб, дарвозадан кирган кишига у кафтдай кўриниб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Саҳни торроқ, лекин тўрт томони уй-айвонлар билан ўралган ташқари ҳовлидаги нақили.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат кўрпачаларда.. Мирзакаримбой ўтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** сфт Ташқи томондаги, ташқи, сиртқи. Ташқари дарвоза.

**4** (ч. к. билан) кўм. вазифасида Бошқа, бўлак. Бундан ташқари. Ундан ташқари. □ Моориф бўлимида иш қизғин эди. Янеи ўқитувчиларни жойларга тақсимловчи комиссия аъзоларидан ташқари бир қанча одамлар эшикдан эшикка кириб-чиқиб юрардилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Аъзам кўриниб турган ҳусни, барвастилигидан ташқари, ўз ички фазилатларини ҳам очиб ташлади. Шўҳрат, Жаннат қидирганлар. Унинг гапидан Башорат ишчиларнинг ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашга аҳд қилишганини ағлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Пландан ташқари планга кўшимча равишда, пландан орттириб, пландан ошиқча. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот. Ҳаддан ташқари меъеридан ортиқ, кўп, ортиқ даражада. Тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позицияларимизни ҳаддан ташқари қаттиқ тўпга тутди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ Ташқари чиқмоқ четга чиқмоқ, чегарадан ошмоқ. Мавзудан ташқари чиқмоқ, Одобдан ташқари чиқмоқ.

**ТАШҚАРИГА** рви Ташқи томонга; ташга, четга. Мутал эса емирилиб тушган кесақларни ташқариға суриш билан овора эди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Анзираг холанинг] ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган, деворнинг баъзи жойлари ичкарига, баъзи жойлари ташқариға қийшайган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТАШҚАРИГИ** Ташқи томондаги; ташқи, сиртқи. Даҳлизнинг ташқариги эшиги очилиб, кимдир кирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТАШҚАРИДА** рви Ташқари томонда; ташда, сиртда. Ило Юсфбекни ўлдига чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз! А. Қодирий, Утган кунлар. Унинг ўзи

идорада бўлса ҳам, қалби ташқарида эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТАШҚАРИДАГИ** Ташқарида бўлган; ташқи томондаги. [Йўлчи] чопиқни тугатиб, бойнинг боғига келди. Ташқаридаги супада бирқанча вақт чўзилиб ётди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ичкаридаги-ю, ташқаридаги одамлар жим туриб қулоқ солишди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Диторни бағрига босган Мели полвон безовта бўлиб яна ниманидир сўрамоқчи эди, ташқаридаги бировнинг шовқинини эшитиб тўхтади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАШҚАРИДАН** рви Ташқари томондан, ташдан, сиртдан; четдан. Ташқаридан қараганда. ■ Овоз энди ташқаридан эмас, ичкаридан эшитилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАШҚИ 1** Ташқарида, ташқари томонда жойлашган; ташқариги, сиртқи. Ташқи девор. Ташқи чегара. | Сиртдан кўринадиган; зохирий. Ташқи қиёфа. ■ Хайрият! Шу биргина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Комиланинг тақлифидан заррача ташқи назокат сезмаган, бормоққа рози бўлди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**2** Чет давлатлар билан бўладиган, хорижий. Ташқи сийсат. Ташқи савдо. Ташқи ишлар министрлиги. | Мамлакат ташқарисида бўлган; чет. Ташқи давлатлар.

**3** диал. айн. ташқари **2**. Биз Яйпанда Олим бува деган ноновийнинг ташқисида турар эдик. А. Қаҳҳор, Утмишдан эртақлар.

**ТАЪБ** [а] 1 Кишининг характерида, унинг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиати, мижози. Таъби нозик одам. ■ Хуш таъбинг ўстирар бизнинг авлодда. Коммунистик хислат, янгича одат. Х. Расул. | Рухий ахвол, кайфият. [Холмат Рузвонга:] Бу одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товук, ёйшитидан олинг, жуда соз бўлиб-да. Ҳамза, Қим ўғри? Имомнинг таъби жуда сустланди. Шом ва хуфтон асноларида ҳам ҳеч ким билан сўзлашмади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Таъби тирриқ (ёки хира, кир, хуфтон, намозшом) кайфияти бузук, бузилган; диққат, зиқ. Аҳмад-жон, таъби тирриқ бўлиб, бошқа ҳеч кимдан гап сўрамади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бўтабойнинг бошига ёғилган маломатлардан Максимиинг ҳам таъби хира эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Таъби олинди кайфияти бузилди, хафа бўлди. Ҳайдар нимадандир Анорхоннинг таъби олинганини сезди. И. Раҳим, Ихлос. Таъби очилди кайфияти яхшиланди, дили равшанлашди, енгил тортди. Сидиқжон Урмонжоннинг олдидан таъби очилиб чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Таъби тортади ёки таъбига ёқади табнатиға, дидига тўғри келади. [Ермат] баъзи бир таъби тортган одамларга: «тўй-

га бирга бўлинг!» деб қўяди, ўзича. Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** Хошиш, хуш; рағбат; ихтиёр. Бировларнинг таъбига қараб иш қилмоқ. ■ Нуриинг ҳеч қандай сўзга, ишга таъби йўқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Алай-балай десам, тутиб олиб уриш ҳам таъбида бор. Х. Шамс, Характеристика. — Мана бу кресло ҳам сизга ҳавола. Олинг, менга бир оддийроқ стул берсангиз бўлади, — деди Моҳидил. — Таъбингиз, — деди секретарь қиз. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТАЪБИР** [а] 1 Бирор жихатдан таърифловчи ёки тугал маъно аниқловчи қисқа ифода, ибора. Деҳқонларнинг таъбирича экин кун санайди. ■ Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунимайдиган истилоҳ, таъбир.. жумла йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон. «Елгон Ҳожи» деган таъбирнинг асл маъноси, Тўрақоннинг ҳам назарда тутган маъноси бундай эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Отабек ота-она орозиға, ўз таъбирича, жонсиз ҳайкал бўлиб ризолик берди. А. Қодирий, Утган кунлар. Соҳиб қори, ўз таъбири билан айтганда, илонга ҳам тилининг учиди шакар берадиган киши. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Таъбир жоиз бўлса агар шундай дейиш мумкин ёки ўринли бўлса. Шоввозларимиз, таъбир жоиз бўлса, чўлга дастлаб ҳужум бошлаган танкчиларимиз шулар. Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**2** Маъносини тушунтириш; изоҳ, шарҳ. Таъбирнинг таъбирини айтиб бермоқ. ■ Эссизки, мен у кампирнинг таъбир ва тавсифларини эсимдан чиқарганман. Айний, Эсдалиқлар. Туш энг қизиқ жойида узилган эди. Лабим жуда аламланиб турган ҳам, самбварчинни чаққириб, кўрган тушимни ярим-ёрти айтиб бериб, таъбир сўрадим. Ф. Гулом, Тирилган мурда. — Марғилонга келган кунлардан бошлаб сизда қизиқ бир ҳолат бор, — деди. — Сиз бу ҳолатни «Марғилон ҳавоси ёқмади», деб таъбир қилсангиз ҳам, мен мундан бошқа нарсалар пайқайман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАЪБИРЛАМОҚ 1** Таъриф бермоқ, ифодаламоқ. Қоидани таъбирламоқ.

**2** Тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ. Тушни таъбирламоқ. ■ Энага «тушунгизга тўй кирибди, бу яхшиликдан дарак, ...» деб унинг [Ойликанинг] тушини таъбирлабди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАЪБИРЛАНМОҚ** таъбирламоқ фл. мажх. н. Қоида таъбирланди. Туш таъбирланди.

**ТАЪБИРЛАШМОҚ** таъбирламоқ фл. бирг. н.

**ТАЪБИРНОМА** [а+ф+т] эск. Тушлар таъбиридан иборат китоб.

**ТАЪВИЯ** [а] Беўхшов, хунук, бадбуруш, бадбашара. [Эъвоззон] гаёдининг товушини эшитиб, таъвия қиёфасини кўриб ҳайрон бўлди. Х. Гулом, Машғал. Бўйинг бир қарич, бунинг

устига абжағине чиққан чўтир бўлсанг, сен таъвияга ким боқадим, тентак! Ойбек, Улуғ йўл. Таъвия бўлмоқ ярашмаган кийим кийиб ёки пардоз-андоз қилиб кулгили долга тушмоқ, тасқара бўлмоқ. [Алижон] *Бултур мўйлов қўйиб, анча вақтгача энса қотириб, таъвия бўлди.* Мирмухсин, Чиниқши.

**ТАЪВИЯ-ТАРАҚҚОС** [a] Жуда ҳам хунук, беўхшов.

**ТАЪЗИМ** [a] 1 Эгилиб, бошни қуйи солиб ёки қўлни кўксига қўйиб салом бериш. Таъзим билан қариши олмақ.

— *Фотиҳа ўқилган, — Бозор ўрнидан туриб таъзим билан: — Хуш келдилар!* — деди. Айний, Дохунда. Зодагонлар оиласидан эканлигини билдириб турган Ҳабиба хоним ўнг тиззасини сал букиб эрига яна таъзим қилди. Т. Тошматов, Эрк қуши.

2 *Кўйма* Юксак ҳурмат, миннатдорлик, таҳсин. Саид Аҳмад ҳикояларида.. *таъзимга сазовор образлар талайгина.* Ф. Насриддинов, Таъзим ва таъзир. **Етти букилиб таъзим қилмоқ** қўлларча тиз чўкиб сажда қилмоқ. Менинг мансабим олдидан ҳамманг етти букилиб таъзим қилганинг, дабабамдан теракнинг баргидек титраганинг эсингдан чиқдимми? П. Турсун, Ҳўтирчи.

**ТАЪЗИМАН** [a] *рви, кам қўлл.* Таъзим билан, тавозе қилиб. Анварни таниган миришав ва қоровуллар таъзиман ўринларидан қўзғалдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТАЪЗИМКОР** [a+ф-т] Сертавозе, сертаъзим. Таъзимкор одам. — *Кўл узра таъзимкор қатор оқ қайин Оҳиста тебранар алқазан сифат.* М. Икром. || *Ҳаттоки баланд осмон Эгилажак таъзимкор.* М. Бобоев.

**ТАЪЗИМЛАМОҚ** кам қўлл. Таъзим билан ҳурмат, таҳсин, миннатдорлик билдирмоқ, таъзим қилмоқ.

**ТАЪЗИР** [a] Кимсадан ўтган хато ёки гуноҳга лойиқ дакки, дашном; танбех. [Майсара:] *Ўғлим, шу таъзир оз эмас. Ҳовли юзига чиқаргандан кейин қасам бериб бўшатиурсиз.* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Таъзир бермоқ** айби ёки хатосини айтиб қизартирмоқ, уялтирмоқ, койнмоқ, дашном бермоқ. Менга шунча яхшилик қилдингиз.. Янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.. Бутун эвено олдидан таъзир бериб одам бўл, дедингиз. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Таъзирини бермоқ** адабини бермоқ, тавбасига таянтирмоқ. *У муттаҳамнинг таъзирини ўша ернинг ўзидеёқ бериб қўйган бўлардим, бунчалик уятга қолмасдим.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. **Таъзирини емоқ** жазосини тортмоқ, адабини емоқ, тавбасига таянмоқ. — *Келдингми, дайди,* — деди-ю, унинг бош эиб туришидан: «*Таъзирингни ебсан, етар,*» — деди [Степан] ичиди. Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

**ТАЪЗИЯ** [a] Кимсанинг вафоти муносабати билан тутиладиган аза, мотам. Таъзия маросими. Таъзия билдирмоқ. — *Таъзия кунлари ўтгандан ке-*

*тин ўғилликка деб сўраганларга Нодира икки болани бериб юборди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бир минут қадар чўзилган сукунатдан сўнг Йўлчи, Алиохун ва бошқалар Шоқосимга таъзия билдириб, уни юпатишга тиришдилар.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАЪЗИЯНОМА** [a+ф-т] Кимсанинг вафоти ҳақидаги ёзма хабар; некролог. Отанинг икки ўғли ҳам.. *қаттиқ жангларда жон берди: ота бирин-кетин иккита таъзиянома олди.* Й. Шамшаров, Довруғ.

**ТАЪЗИЯХОНА** [a+ф-т] Мотам маросими ўтказилаётган хонадон, уй, ховли. Таъзияхонада бир соатча ўтиришгандан сўнг Зокир ота боққа бирров бориб келадиган юмуши борлигини айтиб, уэр сўради. Э. Носиров, Ҳожининг «хунари».

**ТАЪЗИЯЧИ** 1 Мотам тутган, азадор киши.

2 Марҳумни дафн этиш, мотам маросимида қатнашувчи киши. — *Жанозага йиғилган таъзиячиларни чақириб келдим.* — деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

**ТАЪЙИН** [a] эск. Тайин, тайинли. **ТАЪКИД** [a] 1 Қаттиқ тайинлаш; қаттиқ тайинлаб айтилган гап. Ҳабибанинг таъкидини эслаб, гуллар тўғрисида оғиз очмасдим. Айний, Эсдаликлар.

2 Уқдириш, қайд этиш ёки тасдиқлаш; қайд; тасдиқ. Таъкид қилмоқ. — *У [Тешибой] ўз таъкидида Фосих афандини сафсатабозликда айблади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАЪКИДЛАМОҚ** 1 Бирор нарса ёки масалани қайд этмоқ, бошқаларнинг диққатини тортиш учун уни бирор усулда алоҳида бўрттириб кўрсатмоқ, ажратмоқ. Кейинги жумлани Жомий зўр имон билан таъкидлаб айтди. Ойбек, Навоий. *Авалло шунини таъкидлаб ўтиши керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни.. бевосита бар-тараф қиладиган бўлиб қолдик.* А. Қаҳҳор, Нутқ.

2 Уқдириб айтмоқ, тайинламоқ. *Ҳайит амин уларга: — Дарвозадан битта-битта чиқиб ҳар қайсинг ҳар томонга тарқалинлар. Тўп бўлиб юрманлар, — деб таъкидлади.* Айний, Қуллар. *Онаси таъкидлаган бўлса ҳам, Назиржон холасининг уйига бормасдан, тўғри меҳмонхонага тушиди.* Ойдин, Ҳўздан кўрсин. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Тасдиқламоқ, қувватламоқ. Балли, — Фазлиддин боши билан хотинининг сўзини таъкидлади.* Ойбек, Кутлуг қон. *Тошқин хавфидан қутулиш учун дамба қилиш зарурлигини ҳамма бир оғиздан таъкидлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ТАЪКИДЛАНМОҚ** таъкидламоқ *фл. мажж. н.* Масаланинг муҳимлиги яна бир карра таъкидланди.

**ТАЪЛИМ** [a] 1 Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланган зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим. *Олий таълим. Ўн йиллик умумий мажбурий таълим. Политехник таълим.* — *Мен сени кўнчиллар сафига юбораман. Тез кун ичиди ҳарбий таълимни ўрганасан.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Ўринжонларга фабрика-завод таълими деган мактаб очиладиган бўлипти-ку!* Ойдин, Ҳўз монанд. *Бизга таълим берар ҳар кун ўқитувчимиз, Турли фанни ўқиб ўсар онг ва кучимиз.* Й. Муслим. *Аҳмаджон, бир неча ой таълим кўриб, ахши пулемётчи бўлгандан кейин.. аскарликка ариза берган кунларида, «дарров милитиқ оламан-у, урушга кетавераман», деб йўлгани ёдида тушса, кулар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Тарбия, одоб-ахлоқ. *Таълимчи айқ бола.* — *Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган кишининг эмас, балки чапани аравакашини эсла-тиб турар эди.* П. Турсун, Ҳўтирчи.

3 Таълимот, назария. *Сен илгор фикр билан жангнинг зўр оташида Ҳовларни ёриб ўтдинг, юксак таълим яратдинг.* Х. Расул.

4 с. т. Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. *Арзи хола Қутби отининг ҳалигидай таълимидан гангиз қолди.* Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ емаган жувоп. [Сидиқжон] *ҳеч кимга қарамай, кетмонни қай хилда чопиши тўғрисида Маллавоӣ ака берган таълимга ҳам риоя қилмай, кўйиб-пишиб ишлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Авалло, ишчилар орасида юриб большевиклардан таълим олдим.* Х. Гулом, Машъал. *Абдурашул районга тушганида, ҳар гал шу одамнинг олдига кириб, унга ўз ишидан ҳисоб берар, унинг таълимини олиб, қишлоққа қайтар эди.* П. Турсун, Ҳўтирчи.

**ТАЪЛИМИЙ** [a] Таълимга оид, таълим берадиган; таълим-тарбия аҳамиятига эга бўлган. *Покистонга адабий ва илмий, айниқса, таълимий.. ҳикоялар ғоят зарурдир.* Ойбек, Нур қидириб.

**ТАЪЛИМЛИ** Таълим кўрган, яхши тарбияланган, ахлоқли, одобли. *Таълимли бола.*

**ТАЪЛИМОМУЗ** [a+ф-т] Таълим мазмунидаги. *Таълимомуз гап.* | Таълим бераётгандай, ўргатаётгандай. || *Таълимомуз гапирмоқ.*

**ТАЪЛИМОТ** [a] 1 Фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш. к. ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хулосалар мажмуи; назария. *Маркс, Энгельс ва Ленин таълимоти. Дарвин таълимоти. Мичурин таълимоти.* — *Марксизм — ягона илгор, ягона ҳақиқатчи улуғ таълимот.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. *Шундай, сиз менинг ҳалиги таълимотим бўйича унинг бўйнига қўй сўйиши*



ва тўн беришни юклашга ҳаракат қилинган. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАЪЛИМСИЗ** Таълим кўрмаган, яхши тарбия олмаган; одобсиз, тарбиясиз. Таълимсиз бола.

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ** [а] Таълим ва тарбияга оид ишлар; таълим ва тарбия; педагогика. Таълим-тарбия ишлари. Таълим-тарбия илмий-текшириш институти. — Зағчақўз патнисдан кўзини оймай, ғазабини ичига ютгани ҳолда: — Хўш, сизнинг мактабингизда болаларам илм-ахлоқ, таълим-тарбия ҳам ўргатиладими? — деб сўради. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ТАЪЛИФ** [а] эск. Ёзма асар, иншо, китоб. Таълиф қилмоқ 1) асар ёзмоқ; 2) бошқанинг асарини тахрир қилмоқ.

**ТАЪМ** [а] 1 Тотиб ёки ялаб кўриб билинадиган ҳусусият; маза, лаззат, тот. Аччиқ таъм. Шириқ таъм. Дорининг таъми. Овқатнинг таъми тўз билан, одамнинг таъми сўз билан. Мақол. — Ҳа демай бир йил ҳам ўтиб кетяпти, Ҳали ўша мўйнинг таъми лабларда. Уйғун. Муздек қовунни есангиз таъмига таъм, мазасига маза қўшилади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Бошдан кецирилгандаги таассурот, маза. Амир сарбозлигининг таъмини бир марта тотган Ёдгор, бундай «воздликни истамади, сарбоз бўлишдан зиндонда қамалиб ётишини аъло билди. Айний, Дохунда.

**ТАЪМИН** [а]: таъмин қилмоқ (ёки этмоқ) 1) керакли нарсаларни етказиб бермоқ, таъминламоқ. Қолхозларни машиналар билан таъмин этмоқ. — Отам учун икки кишини шаҳарга юбориб, моддий жиҳатдан таъмин қилиш оғирлик қиларди. Айний, Ёздаликлар; 2) бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, мухайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. Меҳнаткашлар депутатларининг.. Советлари.. давлат тартибининг сақланишини таъмин этадилар. «ЎзССР Конституцияси»; 3) қониқтирмоқ, қаноатлантирмоқ; кифо қилмоқ, етарли бўлмоқ. Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўтган тарихига бир оз кўз ташлаб олишга мажбуримиз. Чунки бусиз ўқувчимизни таъмин қилиш мўмкин эмасдир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТАЪМИНЛАМОҚ** 1 Керакли нарсаларни мухайё қилиб, топиб, етказиб бермоқ, таъмин қилмоқ. Шаҳарни сабабот билан таъминламоқ. Мактабларни ўқув қуроллари билан таъминламоқ. — Совет ҳокимияти.. ҳам фронтни, ҳам шаҳарни, ҳам қишлоқни таъминляпти. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мен уларни пул билан таъмин қиламан, бу менинг вазифам. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

2 Бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, мухайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини

таъминламоқ. — Ишсизлақниёга тугатилганлиги меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлайди. «ЎзССР Конституцияси». || Гаранцияламоқ. Қаршилик кўрсатишдан тўхтаган барча офицер ва солдатларнинг ҳаётини, беҳатар яшашини таъминлаймиз. А. Қаҳҳор, Иккиннинг бири.

**ТАЪМИНЛАНМОҚ** таъминламоқ фл. мажҳ н. Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги йил сайин янги техника билан кўпроқ таъминланиб бормоқда. — Парвариш даврида ҳар бир қолхозчимиз астойдил меҳнат қилди. Кўчатларнинг баравж ва ҳосилдор бўлиб ўсиши таъминланди. И. Ҳожиматов, Қўнглимиз шод.

**ТАЪМИНОТ** [а] 1 Керакли нарсаларни мухайё қилиб етказиб бериш; яшаш, ишлаш учун зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжни қондириш. Социал таъминот. Давлат таъминоти. Таъминот бўлими. || Қимсани яшаш учун зарурий нарсалар билан таъминлаш, боқиб; қарамоқ, боқиб. Бола амакиқисининг таъминотида ўди.

2 Яшаш, ишлаш учун керакли пул, озиқ-овқат, кийим-кечак каби нарсалар мажмуи. ЎзССР граждандари.. касал бўлган ва меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар. «ЎзССР Конституцияси».

3 кўчма кам қўлл. Маънавий озуқа; далда; умид. Отасининг бу сўзлари унинг [Отабекнинг] истиқболи учун яхши таъминотлар берар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАЪМИР** [а] эск. кт. 1 Киши кучи ва ихтиёри билан пайдо бўлган, яратилган иншоот, бино, жой ва ш. к. Табиат турфа тузмиш тарху таъмир қилиб боғу чаман шаклида тасвир. Ҳабибий. 1288 йилда Қўқоннинг эски қаландархонасини бузиб, янгидан таъмир қилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бузилган, синган, йиртилган жойларни тузатиш; ремонт. У [Навоий] вақф мулкларини таъмир этиши ва ортиқча маблағларни янги иншоотлар учун сарф этиши тўғрисида узоқ суҳбатлашди. Ойбек, Навоий. Ҳамма ҳаширчилар оролга ўтиб олганларидан кейин таъмир иши жадаллаб кетди. М. Осим, Темур Малик. | Қайта тиклаш, аввалги ҳолига келтириш; реставрация.

**ТАЪМИРОТ** [а] эск. кт. 1 айн. қуриш 2.

2 Қурилган бино; иншоот.

**ТАЪМЛИ** Таъми, мазаси яхши; маза-ли, лаззатли, тотли. Таъмли овқат.

**ТАЪМСИЗ** Таъми, мазаси йўқ; бе-маза, лаззатсиз, тотсиз. Таъмсиз қовун.

**ТАЪНА** [а] 1 Қимсадан ўтган хатолик, айб ёки камчиликни унинг юзига солиб ёки камситиб айтилган гап; танбех. Аччиқ таъна. — Гуноҳкор бўлмай туриб, ўз севилигиндан ўринсиз таъналар эшитсанг. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Миннат қилиш; миннат. — Йўқчилик жонимга теғди, — деди болалик хотин, — бойваччаларнинг хотинларига кир юва-юва ўлиб бўлдим. Итдек меҳнат қилиб бир бурда нонларини таъна билан едим. С. Зуннунова, Гулхан. Хўжайиннинг таъналарини ышита бериб. етимнинг кулоги пишган, эти кўйиккан эди. П. Турсун, Ҳўитувчи. Таъна қилмоқ қимсадан ўтган хатолик, айб ёки камчиликни унинг юзига солиб гапирмоқ; айбситмоқ. Ҳасис деб таъна қилмоқ. — Йўлдошева.. рабфакда ўқиб юрганда маҳаллада паранжи ёпиниб юрган бўлиши мўмкин, буни ҳозир таъна қилишда ҳеч қандай маъно йўқ. А. Қаҳҳор, Бек. Араблар овқат вақтида, бошқалар олдида ўзига хос кибриқ билан, Элмуродга таъна қилди. — Ҳа, қоровулхонада мактаб очибсиз деб эшитдим! Ойлик қанча? П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ТАЪНАЛИ** Таъна билан айтилган, таънадан иборат бўлган, таъна ифодалайдиган. Таънали гап.

**ТАЪНАОМУЗ** [а+ф+т] айн. таъна-ли. Раҳиманинг бригадасида ҳам анчагина ғўзаа дори сепилмаган. Ойша таънаомуз гапларни гапиргиси келса ҳам бу ҳақда индамади. Ҳ. Нуъмон, Меҳр.

**ТАЪНАЧИ** Ҳар нарсани таъна қилаверадиган киши.

**ТАЪРИФ** [а] 1 Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг сўзлар воситасида ифодаданган тасвири; тавсиф, характеристика. Қушбеги кўрпача остидан хатни олиб Отабекка кўрсатди: — Бу қанақа мактуб, танийсизми? — Отабек кўрувчи кўзларига ишонмагандек: — Танийман, — деди, — таърифини сўзлаганим отам мактуби. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сулаймонов.. гап тополмай қаймоқнинг таърифини қилди: — Бир шаҳарнинг қаймоғи бошқа шаҳарнинг қаймоғидан фарқ қилади-а? — Ҳа, албатта! А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. | Киши ёки нарсанинг ижобий хислатлари ифодаси, тасвири; мақтов. Қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғининг таърифини айтиб битиролмайдилар. П. Турсун, Ҳўитувчи. Таъриф-га сизмайди қ. сизмоқ.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва ш. к.нинг қисқа ва аниқ ифодаси. Терминнинг таърифи. Тушунчанинг таърифи. Қўшма сўзнинг таърифи. Таъриф бермоқ. Таъриф қилмоқ. — Таъриф қилай эшонимни, Оёғимда кишанимни. Эргаш шоир. — Унча қиммат ҳам эмас, — деди домла ҳовлининг таърифини қилиб бўлгандан кейин, — етти юз эллик сўм. А. Қаҳҳор, Сароб. Кечалар кай-фи! Оқиомлар файзи! Уни айтмаган, Таъриф этмаган Шоирлар қайси? Шайхзода.

**ТАЪРИФИ(И)** [а] Ижобий хислатлари, мақтовий ҳаммага маълум бўлган; мақталадиган, мақтовли. Низом-жон қишлоғининг таърифи ўринини жуда соғинган эди. С. Аҳмад, Уфқ,



«Шом камони» таърифи мерганлар аро Эрон билан Турондан бўлган овоза. Шайхзода.

**ТАЪРИФИЧА** *рвш* Таърифига кўра, тавсифлашча, тасвирлашига қараганда. Саудақбарнинг таърифича, акам иккинчи даражадаги одамлар қаторига кириди. Айний, Эсдалиқлар. Домла, Мусонинг таърифича, «қошларини обжувоз қилиб», Элмуродаги тикилди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ТАЪРИФЛАМОҚ** 1 Нарса, воқеа-р-ходиса ва ш. к.ни оғзаки ёки ёзма равишда баён қилмоқ; таъриф қилмоқ, тасвирламоқ, тавсифламоқ. Воқеани таърифламоқ. — Шундай қилиб Фотиманинг бирдан-бир ҳомийси бўлмиш амакиси ҳаракатга тушади. У бир кун бир одамни таърифлайди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Курбон ота ёш боладай таллинар, ўзи кўрган томошаларни.. нуқул унга [Урмонжонга] таърифлар, қайта-қайта мақтар эди. А. Каххор, Қўшчинор. | Характеристика бермоқ, баҳоламоқ. Зокир ота правлениенинг бу ташаббусини: «Шу яқин ўртада правлениедан битта-ю биракай гап чиқди» деб таърифлади. А. Каххор, Мирза.

2 Нарса, воқеа-ходиса, тушунча ва ш. к.нинг мохиятини қисқа, аниқ ифодаламоқ. Тушунчани таърифлаш — шундай бир маънавий усулдирки, бу усул ёрдами билан тушунчанинг мазмунини очиб бериллади. «Логика».

**ТАЪРИФЛАНМОҚ** таърифламоқ *фл. мажх. н.* [Элмурод] кейинги вақтларда бу нарсанинг эртақларда, дostonларда, қўшиқ ва шеърларда кўп таърифланганига «севи», «ишқ» эканига шубҳаланмади. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ТАЪРИФЛАШМОҚ** таърифламоқ *фл. бирг. н.* Шу пайт ичкарида тўранинг хотинлари ҳам Шерназарбойнинг донолиги, урушидаги ҳақрамонликларини таърифлашардилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАЪРИФОТ** [а] *кт.* Таърифлар, таъриф ва тавсифлар; мақтовлар. Эрур ким мардлинингдан ёсалар кўп дostonлар ҳам, Нечук биз сигдирайлик бир вараққа таърифотингни. Чустий. Қовун ҳақидаги бояги таърифотларнинг барчаси ҳам ҳозир бирдан ёдидан кўтарилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАЪРИФ-ТАВСИФ** [а] *Кенг* изох, тушунтириш; таъриф ва тавсифлар). Таъриф-тавсиф қилмоқ (этноқ). — Бўлиб бир неча кун, сайр айладик «Ленин» райониди, Қўшиқларни ёзиб таъриф-тавсифнинг бағниди. С. Абдулла. Совчи йиғит мени кўп таъриф-тавсиф қилибди, — деди Қамолдин. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ТАЪСИП:** таъсип қилмоқ (ёки этмоқ) *с. т.* таассуб қилмоқ, иш-ҳаракатда бировга эргашмоқ, тақлид қилмоқ. Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди.. Обиджонинг шуларга таъсип қиламан деб, мени кўп куйдирди-да! А. Каххор, Қўшчинор.

**ТАЪСИР** [а] 1 Ташқи омилларнинг

киши ёки нарсани ҳолатини, хусусиятини ўзгартирувчи фаолияти. Таъсир ва акс таъсир. Узро таъсир. Дорининг таъсири. Иссиқликнинг таъсири. Ҳқитувчининг балаалара таъсири. Таъсир кучи. Таъсир этмоқ. Ижобий таъсир кўрсатмоқ. — Рус адабиётининг.. демократ халқлар адабиётига ҳам таъсири каттадир. Ойбек, Нур қидириб. | Ташқи омилларнинг ана шундай фаолияти натижасида қолган асар, из; таассурот. Қутидор узр айтди: — Келтирган хабарингиз таъсирини сезни унутмайсизман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Менинг телеграммам сизда ёмон таъсир қолдиргандир. А. Умар, Мухтор. | Бирор нарсадан қолган асар, из. Ерда тунов кунни ёққан ёмғирнинг таъсири бор. Жанчиқларнинг юришини оғирлаштиради. Шухрат, Шинелли йиллар. Таъсири йўқ 1) таъсири суст, заиф, кучсиз. Ҳаво очиқ бўлиб, кўёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ кўёш кучини-да кесган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) натижаси, фойдаси йўқ, нафсиз, бефойда. Таъсири йўқ дори; 3) тутуриги йўқ. Таъсири йўқ гап. Таъсир олмоқ таассурот олмоқ, тўлқинланмоқ.

2 Обрў, нуфуз, эътибор. Бухоро жадидлари орасида усмонли туркларнинг ва татар бойваччаларининг таъсири катта эди. Айний, Дохунда.

**ТАЪСИРЛАМОҚ** кам қўлл. Таъсир қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ. Нервни электр, зарб, иссиқ сув ёки бирорта кимёвий модда билан таъсирлаганимизда, ҳамма вақт мускулнинг қисқарганини кўрамиз. «Анатомия».

**ТАЪСИРЛАНМОҚ** Таъсир олмоқ, таассурот олмоқ, таъсир олиб тўлқинланмоқ, руҳланмоқ. Кекса ўқитувчининг гапидан таъсирланган Элмурод индамай туролмади. Юрагига тўпланиб қолган ўз туйғуларини очиб соғди. П. Турсун, Ҳқитувчи. | Изтиробга тушмоқ, кўнгли бузилиб, ачинаб хаяжонга келмоқ. Маъсумай Ойшмбибига қайрилиб қаради, унинг ҳолатидан таъсирланиб пастки лабини тишлади, бошини чайқади. Н. Сафаров, Дон. Бу қолдан таъсирланиб Анварнинг онаси кўзига ёш оғди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТАЪСИРЛАНТИРМОҚ** 1 таъсирланмоқ *фл. орт. н.* Нотиқнинг сўзлари барчани чуқур таъсирлантирди.

2 Таъсир кўрсатиб бирор ўзгаришга дучор қилмоқ; ҳаракатга келтирмоқ, қўзғалтирмоқ. Эриб кетадиган ўювчи чанг (масалан хлорли оҳак чанги) фақат нафас олиш органларини таъсирлантирмади, балки терини ҳам таъсирлантиради. «Одамнинг анатомияси ва физиологияси».

**ТАЪСИРЛИ** 1 Таъсир қила оладиган, ўзгариш ҳосил қила оладиган; натижали, фойдали. Таъсирли чоралар.

2 Кишини тўлқинлантирадиган, хаяжонга соладиган; кишида кучли таассурот қолдирадиган. Таъсирли нутқ. — Ногоҳ жим-жит ва қизгин ҳавонинг эриб қолгани таъсирли овози кўтарилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Унинг [Давроновнинг] гаплари.. қамбоғал болаларнинг мана бугун ўқитувчи бўлиб етилганлари тўғрисида таъсирли бир қисса. П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 Обрўли, эътиборли, нуфузли. Таъсирли доиралар.

**ТАЪСИРОТ** [а] Таъсир; таъсирлар. У организмни ташқи муҳитнинг ҳар хил таъсиротларидан сақлайди. «Анатомия».

**ТАЪСИРСИЗ** 1 Таъсири йўқ, бирор ўзгариш ҳосил қила олмайдиган, қор қилмайдиган. Таъсирсиз гап. | Кучсиз, заиф, хира. Осмонни қизғин қуларанг тўман қоплаб, кўннинг юзини гира-шира ва таъсирсиз қилиб қўйди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Кишини тўлқинлантирмайдиган, хаяжонга солмайдиган; кишида кучли таассурот қолдирмайдиган. Таъсирсиз ҳикоя.

3 Обрўси, эътибори, нуфузи йўқ. Таъсирсиз одам.

**ТАЪСИРЧАН** 1 Тез, натижали таъсир қиладиган, ўзгариш ҳосил қиладиган. Таъсирчан дорилар. Таъсирчан таъбирлар.

2 Кишини тўлқинлантирадиган, хаяжонга соладиган; кучли таассурот қолдирадиган; таъсирли. Таъсирчан лекцион пропаганда. | Ҳар бир сўзни ўзига хос оҳангда, таъсирчан қилиб гапироладиган бу кишининг ҳозирги нутқи салобат билан таъсирчан жанрланади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Тез таъсирланадиган; ҳассос. Таъсирчан бола.

**ТАЪСИРЧАНЛИК** таъсирчан с. белги оти. Лекцион пропаганданинг таъсирчанлиги.

**ТАЪСИС** [а]: таъсис этмоқ (ёки қилмоқ) 1) жорий қилмоқ, белгиламоқ. Социалистик мусобақа ғолиблари учун кўма қизил байроқ таъсис қилмоқ. — ЎзССР Олий Совети Президиуми.. ЎзССР Фахрий унвонларини таъсис этади. «ЎзССР Конституцияси»; 2) ташкил қилмоқ, барпо қилмоқ, вужудга келтирмоқ. Илмий жамият таъсис этмоқ. Таъсис мажлиси буржуа давлатларида: асосий қонунни (конституцияни) ишлаб чиқиш учун тузиладиган ва кейинчалик тарқатилиб юбориладиган ваколатли орган. Бас! Бу масалани Вақтли ҳукумат эмас, балки таъсис мажлиси ҳук қилди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ТАЪТИЛ** [а] *эск.* Мактабларда ўқувлар тўхтатилиб, ўқувчиларга дам олиш учун бериладиган вақт; каникул. Қишқи таътил. Ёзги таътил. — Саратон киргач, мадрасаларда таътил бошланди. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. Бу мактаб биноси эди. Лекин таътил вақти бўлганидан,

талабаларнинг шов-шувлари яшилмасди. Айний, Дохунда. || Дам'олиш куни, Чоршанба, пайшанба ва жума кунлари таътил бўлар эди. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**ТАЪХИР** [а] кт. Кечикиш, хаёллаш; тўхтаб қолиш; тўхтатиб қўйиш; ўз вақтида келмаслик ёки қилмаслик, бажармаслик. **Таъхир қилмоқ** (этмоқ). — Нечук иш бўлса ўз вақтида қилдим, қилмадим таъхир, Садоқат бирла қилган меҳнатимни айлашиб тақдир. Ҳаббий. **Таъхирга солмоқ** кечиктирмоқ, тўхтатиб қўймоқ. **Таъхирга тушмоқ** кечиктирилмоқ, тўхтатиб қўйилмоқ; ўз вақтида бажарилмаслик.

**ТАЪҚИБ** [а] Зимдан, билдирмасдан кўз-қулоқ бўлиб кузатиш, суриштириш. | Куткилаш; эркин ишлашга ҳар йўл билан кўрсатиладиган монелик. **Покистонда мактаб, мадраса ғоят таъқиб остида.** Ойбек, Нур қидириб. Саидий. бу сўздан мутлақо Муҳаммадراجабни таъқиб остида ё бўлмаса қамалган деган мазмунни тушуниди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Ўзига, пайига тушиш, из қувиш. Унинг [йигитнинг] ҳаракати бир нарсдан шубҳаланиб эмас, аммо орқадан душман таъқиб бўлмадимиз учун эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Таъқиб қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) диққат билан кузатмоқ. **Эрта-лабки чой зохирланган. Отабек хомуши ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) билдирмасдан, зимдан, кўз-қулоқ бўлиб кузатмоқ, орқа-ворадан суриштирмоқ. **Содиқ уни [Отабекни], Ҳомининг таълимотица, Қўқон дарвозасидан чиқариб, то карвонларга қўйиб олигунча таъқиб этиб борган эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) куткиламоқ, эркин ишлашга халал бермоқ, монелик кўрсатмоқ. **Хукмрон синф вакиллари... қизиқчилардан қўрқар, уларни турли йўлар билан таъқиб қиларди.** Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ; 4) изига, пайига тушмоқ, из қувмоқ. **Учала разведкачи ботирилар яна олға, ғарбга қараб йўл олдилар.** Душман кучларини таъқиб этишда давом этдилар. Н. Сафаров, Тилсимчилар.

**ТАЪҚИБЧИ** Зимдан кузатувчи, таъқиб қилувчи. **Дарахтининг юқорисига чиқиб олдим. Бир марта қувиб ниятига етолмаган бу таъқибчи йиртқиқ [айиқ] энди жон-жаҳди билан арча устига чиқишга уринарди.** Қ. Султонов, Маймоқполвоннинг таъқибчи.

**ТАЯММУМ** [а] дин. Сув бўлмаган жойда тупроқ, пахта, латга каби нарсалардан фойдаланиб олинадиган шартли таҳорат. **Уйдан чиқишда қумғонни олиш ёдидан кўтариладигани учун у анча ташвишланди. Ҳеч бўлмагандан кейин, либосига қўл уриб, таяммумни адо этди.** Н. Мақсуд, Бола йўқотган киши. **Сув йўғида таяммум йўқ нарса ўрнида бошқа нарсдан фойдаланишга, бошқа нарса билан кифояланишга тўғри келган ҳолларда** айтиладиган

ибора. **Аҳмад Хусайн бир оз ўйлаиб тургандан сўнг: — Яхши, розиман, сув йўғида таяммум деганлар-ку.** Ойбек, Нур қидириб.

**ТАЯМОҚ** 1 Бирор нарсани иккинчи бир нарсага куч билан тегизиб итариб турмоқ, тирамоқ. **Тирсақларини тиззаларига таяган ҳолда букчайиб ўтирган Элмурод юзидан қўлларини олмай сўради: — Нима қилай?** П. Турсун, Уқитувчи.

2 Мустаҳкам туриши учун бирор нарса тираб, ўрнатиб қўймоқ. **Кулай бошлаган деворга ёғоч таяб қўймоқ.**

3 Бирор нарсага тегизиб қўймоқ, суямоқ. **Чол ҳассасини деворга таяб қўйди.**

**ТАЯНАРЛИ** 1 Таянса, суянса бўладиган.

2 *кўчма* Ёрдам кутса, таянса бўладиган; кўмаклашадиган; ишонarli, ишончли. **Бошда Ҳасанали, Зиё шоҳичи билан унинг ўғли Раҳматдан яхшигина умид тутган, ҳар ҳолда улардан бошқа таянарли кишим йўқ, деб ўйлаган эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАЯНИЛМОҚ** таянмоқ 2, 3 фл. мажх. н. Илгор хўжаликларда деҳқончиликни олиб боришда агрономларга таянилади.

**ТАЯНИШМОҚ** таянмоқ фл. бирг. н. **ТАЯНМОҚ** 1 таянмоқ 1 фл. ўзл. н. **Ҳасса таянмоқ.** Қўллари билан стола таяниб олмоқ. — **Кампир.. бир қўлида ҳассасига, иккинчи қўлида Анорхона таянганча қабристонга йўл олди.** И. Раҳим, Ихлос.

2 *кўчма* Асосланмоқ, суянмоқ. **Оманинг ташаббусига таянмоқ.** Бизда пахтачилик юксак аэротехникага таянади. — **Ўртоқ Низомиддинов, бундай пайтларда раҳбар органларнинг ёрдамига таяниш керак.** С. Аҳмад, Хукм.

3 *кўчма* Қимсанинг қўллаб-қувватлашига, ёрдамига, ҳомийлигига умид боғламоқ, ишонмоқ, орқа қилмоқ. [**Хонзода:**] **Менинг севааним, ҳимоячим бор-да, айланай! Ушанга таянаман у ҳам бўлса сиз!** Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Башорат бу ерда десятиклар курсини бирга битирган дўстларига, комсомолларга таянар эди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Хон.. кўпроқ сарой амалдорлари, уламо, тўраларга ён босар ва уларга таянарди.** Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Тавбасига таянмоқ қ. тавба** 1. **ТАЯНТИРМОҚ** таянмоқ фл. орт. н.

◆ **Тавбасига таянтирмоқ қ. тавба** 1.

**ТАЯНЧ** 1 Нарсани кўтариб, унинг тик, барқарор туриши учун хизмат қиладиган восита; устун, тиргак, тирговуч.

2 *кўчма* Асос бўлиб хизмат қиладиган, суяниладиган нарса; суянч, суянчиқ, таянчиқ. **Комсомол Улуғ Ленин партиясининг фарзанди, содиқ таянчидир.** Р. Абдуллаева, Оташин ёшлик ҳар ишга қодир. **Душман мудофаасининг таянч пункти ишурм билан эгалланди.** Н. Сафаров, Дон.

3 *кўчма* Ёрдам ёки химоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган кимса; химаячи, ёрдамчи, ҳомий. **Зебихон хотинларни зимдан кузатиб ўтирар, уларнинг ичидан ўзига таянч бўладиганларни мўлжаллар ва ўйлар эди.** С. Зуннунова, Гулхан.

**ТАЯНЧИҚ** 1 Тутиб, кўтариб туррадиган восита; тиргак, уступ, тирговуч. **Кўприкнинг таянчиқлари.** — **Бўйин таянчиғи бўлган юқориги етита умуртқа бўйин умуртқалари деб аталади.** «Анатомия».

2 Стул, карават ва ш. к.нинг суяниладиган, таяниладиган қисми; суянчиқ. **Наимий буни сира кутмаган эди, ранги ўчи кетди, креслонинг таянчиғини чангаллаб ўрнидан турди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма айн.* **таянч** 3. **Мен келдим бир дарбадардай ёш тўқиб ҳушиш, Қани онам.. таянчим, қўнғлим қувончи!? Сабо.**

**ТАҚ** тақл. с. Икки қаттиқ нарсанинг бир-бирига зарб билан урилишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. **Ёнғоқ тақ этиб тошга урилди. Эшик тақ этиб ёпилди.** — **Бошлик трубкани яна тақ этиб қўйди.** Худди катта бир ишни қойил қилган одамдек, қандайдир димоғ билан хўрсинди. С. Зуннунова, Гулхан. **Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб столага қўйди.** П. Қодиров, Уч илдиш.

◆ **Пешанас тақ этиб деворга тегди** ўз билганидан қолмай охири иши вой бўлди. **Пешананг деворга тақ этиб теккандан сўнггина кўзинг очилди.** **Тақ этса эшикка қарамоқ** кимсани интизорлик билан кутмоқ. **Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига қўзи тўрт эди.** Тақ этса, эшикка қарарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТАҚА** 1 От-улов туёғини зарарлашидан, сирганишдан сақлаш учун туёқ остига михлаб қоқиладиган ярим доира шаклидаги металл буюм. **Отнинг тақаси.** — **Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка от туёқларининг тарақ-туруқи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-ялт чақмоқ, дам ўтмай узоқлаиди.** С. Анорбоев, Оқсой. **Йўлар тойғоқ, тўрт оёқнинг тақаси йўқ, Қози хасис, аравакашнинг чақаси йўқ.** С. Абдулло.

**ТАҚА** II диал. Жуфтнинг бири; тоқа. **Норбой ота.. олати таноб еру, бир тақа ҳўкизга эга бўлди.** М. Ҳаким, Бувнор.

**ТАҚАЛ:** тақал қилмоқ бирор ишни бажаришга дарров киришмай, ўйлаиб қолмоқ, кечиктирмоқ; кечикмоқ, хаялламоқ. **Ҳаялламай жаллоқ, энди боринглар, Тақал қилмай тээрқ бориб келинглар.** «Алломиш».

**ТАҚАЛАМОҚ** От-улов туёғига тақа қоқмоқ. [**Холхўжа Бўтага:**] **Менга йигит бўл! Бир қошиқ қонингдан ўтаман. Менга хизмат қил! Отларни тақалайсин.** С. Аҳмад, Хукм.

**ТАҚАЛАНМОҚ** тақаламоқ фл. мажх. н. Тақаланган от.

**ТАҚАЛАТМОҚ** тақаламоқ *фл. орт. н.* Отини тақалатмоқ.

**ТАҚАЛАТТИРМОҚ** тақалатмоқ *фл. орт. н.* Отбоқар отларни тақалаттириб келди.

**ТАҚАЛМОҚ** 1 тақамок 1—3 *фл. ўзл. ва мажх. н.* Ёғочнинг учи деворга тақалган. Қайиқ бориб қирғоққа тақалди. — Ҳозир суҳбат Элчибекка келиб тақаладигандай эди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Етиб бориб тўхтамоқ, тугамоқ, тамом бўлмоқ. Қўрғон Чақарнинг чуқур жарлик ариғига тақалиб тугалар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолӣ этави қишлоқ уйлариинг ҳовлиллрига бориб тақалар эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Қамар бир одам бемалол энгашиб юра оладиган бўлиб, охири қаерга бориб тақалишини ҳеч ким билмасди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Бирор нарсанинг битишига, юзага келишига қараб қолмоқ, махтал бўлмоқ; унинг йўқлиги туфайли тўхтаб қолмоқ. Пропускалар ёзилган. Иш сурамага тақалиб қолди. Бугун у ҳам тайёр бўлди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ТАҚАМОҚ** 1 Жуда яқинига олиб бориб, етказиб, тегизиб қўймоқ; тирамоқ. Стуллари бир-бирига тақаб қўймоқ. — [Маҳкам:] Гоҳ қўлида милтиқ, йўлими тўсади, гоҳ кўкрагимга миниб олиб кекирдагимга пичоқ тақайди. Н. Сафаров, Ўйғониш. Нури ўз юзини йиғитинг юзига тақади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўчма Сўзни, мавзун бирор ерга, масалага келтирмоқ, кўчирмоқ. Шундай қилиб, Ефим Данилович гапни яна қурол-яроққа олиб келиб тақади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Кўчма Чўзиб, кечиктириб бирор фурсатга олиб келмоқ, тикилтирмоқ. У кўп ишларни янги йилга олиб келиб тақади.

4 Кўчма с. т. Дучор қилмоқ, гирифтор қилмоқ, йўлиқтирмоқ. Энди мени бу маломатларга тақаш қолудими? С. Абдулла, Обрўйи тўкилади.

◆ **Деворга тақамок** шошириб, гангитиб қўймоқ, мот қилмоқ; таслим бўлишга мажбур қилмоқ, Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқалашиб, ҳамманинг энсасини қотира бошлади. Ойсулув эса янги-янги сўзлар, ўхшатишлар топиб, рақибини деворга тақаб қўйди. М. Осим, Ўтрор.

**ТАҚАСОҚОЛ** Узун-узун гуллари эгилиб ярим доира шаклини оладиган ёввойи чўл ўсимлиги.

**ТАҚАТАҚ** *рви* 1 Ҳаммаси бирдан, битта ҳам қолмасдан; ёппасига. Магазинлар, дўконлар тақатақ қулф.

— Уйлариинг эшиклари, деразалари тақатақ ёпиқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бутунлай, тамоман. Иситма полвоннинг иштаҳасини тақатақ бўғиб, силласини қуритибди. М. Алиев, Бетоб. Аллоннинг бир жувоғи тақатақ тўхтади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Қимир этмай, ҳаракатсиз

қотиб. Тўрани кўриб ҳамма тақатақ тўхтар, икки бўкилиб таъзим қиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТАҚА-ТАҚ** тақл. с. Бир меъёрдаги тез ҳаракатдан, урилишдан ҳосил бўладиган овоз, шовқин ҳақида. Поёздинг «тақа-тақи» кишини мудратарди.

**ТАҚАҚОҚ** тақамок 1—3 *фл. орт. н.*

**ТАҚАЧИ** Тақа ясайдиган ва отга тақа қоқадиган уста. Мўғуллар.. керакли қуролсозлар, узангисозлар, тақачилар, темирчилар, араасозлар, тўқувчилар ва бошқа касб эгаларини бир чеккага ажратдилар. М. Осим, Ўтрор.

**ТАҚАЧИЛИҚ** 1 тақачи с. касб оти. Тақачилик артели. Тақачиликни ўрганмоқ. Тақачилик қилмоқ. — Бўтабой ҳам икки кунда тақачилик дўконини тиклади. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *тар.* Тақачилар ишлайдиган жой; тақачиларнинг дўқони, ишонаси жойлашган раста, кўча ёки маҳалла.

**ТАҚАШМОҚ** 1 тақамок *фл. бирг. н.* Болалар столни деворга тақашди.

2 Қалла ташлаб уришмоқ, сузшимоқ. Полвон худди тақашшига чоғланаётган буқадай бошини зеиб, тикилиб қолди. О. Ёқубов, Ларза.

3 *айн.* тегинмоқ 2.

**ТАҚАШТИРМОҚ** Бир-бирига тақаб, тегизиб қўймоқ, ёнма-ён жипслаб жойлаштирмоқ. Столни деворга тақаштириб қўймоқ. — Қизлар бирин-сирин келиб ўринлари устига ўтирдилар. Ўрин қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТАҚВО** [а] *дин.* 1 Мустаҳкам диний эътиқод; ҳудожўйлик, диндорлик.

2 Ҳаром-ҳаридан ҳазар қилиш, ўзини сақлаш, тийиш. [Эшонларнинг] тақво эмиш қилмишлари, Яъни шулдир ишлари: Фақир молин чайнарга ўтқир бўлган тишлари. Ҳамза.

**ТАҚВОДОР** [а+ф-т] *дин.* 1 Мустаҳкам диний эътиқодли; ҳудожўй, диндор. Эрдан бурун масжидларга кетаётган тақводорлардан бошқа кўчаларда ҳеч зог йўқ. М. Осим, Ўтрор.

2 Ҳаром-ҳаридан ҳазар қиладиган, ўзини сақлайдиган, тиядиган; пок. Мулла Маҳмуднинг гапидан кейин баъзи тақводорроқ кам ерли деҳқонлар ҳам қўшимча сифатида бўлиб берилган тоқвордан воз кечишди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАҚВОДОРЛИК** тақводор с. белги оти. Бу амир муллалик ва тақводорлик билан донги чиққан бир кимса эди. Айний, Куллар.

**ТАҚДИМ** [а] Тавсия, таклиф. ЎзССР Олий Совети Президиуми.. ЎзССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда, ЎзССР Министрлар Совети раисининг тақдимига мувофиқ, ЎзССРнинг айрим министрларини вазифасидан овоз қилади. «ЎзССР Конституцияси». **Тақдим этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) тавсия этмоқ, таклиф қилмоқ. Митинг қатнашчилари большевиклар тақдим этган резолюцияга қўл қўтар-

дилар. С. Қосимхўжаев, Рус ишчилари. Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тишириб қолдирган эди. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) тантанали равишда бермоқ, топширмоқ, тортиқ (ҳадя) қилмоқ. Бугун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаётир. П. Турсун, Ўқитувчи; 3) тақдирлаб совға қилмоқ; мукофотламоқ, Полкка «Смирно!» командасини бериб, Элмуродга ташаққур эълон қилди ва ёнидан ўз соатини чиқариб тақдим этди. Шухрат, Шинелли йиллар. Учинчи навбатда зарбдор хотинларга тикув машиналари тақдим қилинади. А. Қодирий, Обид кетмон; 3) ҳурматлаб бирор нарса бермоқ, ихтиёрига топширмоқ. Пастдаги ўз ўринини Мастурага тақдим қилдим. Ойдин, Суҳбатни жонон.

**ТАҚДИМНОМА** [а+ф-т] Тақдим, тавсия мазмунидаги ёзма ҳужжат; тавсиянома. Илгорларни мукофотлаш ҳақидаги тақдимнома.

**ТАҚДИР** [а] 1 *дин.* Гўё олдиндан белгилаб қўйилган, пешанага ёзилган кўргилик; эзмиш, қисмат. Қора тақдир. Шум тақдир. — Нима қилардик, бандасининг қўлидан нима келарди.. тақдир. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. У ҳам эмас, бу ҳам эмас,— деди [Кумуш],— ҳаммаси худонинг тақдири! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар оғиж, забун, ҳамшиша тақдирга итлоаткор, гирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди. Ойбек, Нур қидириб. **Тақдир қилмоқ** (ёки этмоқ)

1) насиб қилмоқ, насиб этмоқ, буюрмоқ.— Худо тақдир қилган бўлса, бу хунарни ҳам топамиз,— деди эшон. Айний, Дохунда; 2) муносиб баҳоламоқ, қадрига етмоқ, қадрламоқ; мукофотламоқ. Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдоеқ, Маҳмуд Низор ойини тақдир этди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Унинг [муҳаррирининг] хизматини Олий Совет Президиуми тақдир қилди. А. Қаххор, Бек. **Тақдирга тан бермоқ** 1) *дин.* ўз қисматига, кўргиликларига худонинг иродаси, хоҳиши деб, рози бўлмоқ. Тўхта хола ўзини босиб, кўз ёшларини ютиб, тақдирга тан бериб тура қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) умуман кўникмоқ; чидамоқ. Ҳасратдан, ишдан зериккан фуқаро тақдирга тан бергиси келмайди. Ҳ. Шамс, Оқпадар.

2 Келажак; оқибат; истиқбол. Ҳосилнинг тақдири парваршига боғлиқ. — Тақдирни қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона. Ғ. Ғулом. Йўлга ҳушёр бўл, Юрвев, мудофаангнинг тақдирини ана шу йўл ҳал қилади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тўхта хола ўзларининг тақдири нима бўлишини билмай хомуш ўтирган болаларга қараб, кўзларига жикқа ёш олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 (ў.п. к. ф-да) боғловчи вазифасида

«Бордию шундай бўлса», «мабодо шундай ҳодиса юз бериб қолса» каби маъноларни ифодалайди. *Машина бўлмай қолган тақдирда, поезд билан борамиз.*  
 ■ Агарда кўйиб хўп деса-ку хайр; кўйилмаган тақдирда, бу хабарни Отабекка етказасан, зора шунинг билан кўнели совиб тушса. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАҚДИРЛАМОҚ** Муносиб баҳоламоқ, қадрига етмоқ, қадрламоқ; мукофотламоқ. *Хурматли тақдирламоқ. Меҳнатли тақдирламоқ. Тақдирлаш ёрлиги.* ■ Автобаза коллективи ватанпарвар, ишчан Алимжоннинг хизматларини доим тақдирлаб турибди. Қ. Рахимов, Ўз касбини севган йигит.

**ТАҚДИРЛАНМОҚ** тақдирламоқ *фл. мажх. н.* Унинг хизматлари тақдирланди. ■ *Оптик разведкачилар ротасининг жанговар командири ўртоқ Майна Ҳасанова.. жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши

**ТАҚДИРЛАШМОҚ** тақдирламоқ *фл. бирг. н.* Унинг хизматини муносиб тақдирлашди.

**ТАҚДИРНОМА** [a+ф-т] Тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат, мақтов қоғози. «Кибрай» дам олиш уйи *Ўзбекистон курортлар бошқармасининг тақдирномасига сазовор бўлди.* Ф. Исҳоқов, Роҳатижон.

**ТАҚИЛЛАМОҚ** Қисқа, узук товуш чиқармоқ, «тақ-тақ» этган товуш чиқармоқ. *Эшик тақиллади.* ■ У кўзини юмди дегунча ҳаёлида қорабайир жавлон қилар, тақаларининг тояларга урилиб тақиллаши қулоқларига эшитилаётгандай туюларди. Ҳ. Ғулум, Машъал.

**ТАҚИЛЛАТИШМОҚ** тақиллатмоқ *фл. бирг. н.* Ғулумжонлар Бақақурулдоққа терега пишиб, чангага беланиб, зўрға етиб келиши-да,.. бир табақали эшикни тақиллатишиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТАҚИЛЛАТМОҚ** тақиллатмоқ *фл. орт. н.* Дарвозани тақиллатмоқ. ■ Азимов қора фарзинни қўлида бир оз ушлаб туриб, шахматнинг оқ каттагига тақиллатиб босди-да, «Шаҳ!» деди, И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Юсуф ака] эшикни тақиллатиб Саодат ва қизлар ўтирган купега киради, Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

◆ **Эшик тақиллатмоқ** 1) бировдан ёрдам сўраб бормоқ. *Бу оғир мушкулотдан нажот истаб қайси бир эшикни тақиллатмасин, ҳеч бириндан марҳамат нидоси чиқмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) яқинлашиб қолмоқ (бирор пайт, фасл ва ш. к ҳақида). *Янги йил эшикни тақиллатмоқда.*

**ТАҚИЛМОҚ** I I тақмоқ 1—4 *фл. мажх. н.* Кўкракка тақиладиган значок. ■ Эшон ая.. кўша-қўша узук тақилган панжаларини ўйнаб гап бошлади. С. Аҳмад, Хукм. Кўксингдаги муқаддас нишон Дохий қўли билан тақилган. Уйғун. Унинг [Ҳасаналининг] кўз ўнгидан иенага зўрлаб

тақилган ип нарига кетмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2 тақмоқ** 5 *фл. мажх. н.* Қомбат йиғлапти.. — Майли, кўявер,— деб жавоб берди Анна ва Элмуродга айб тақилаётгандек зис этди-ю, раҳми келди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қишилар Ҳомид орқасидан сўзлаганда унинг отига тақилган лақабини кўйиб айтмасалар, ёлғиз «Ҳомидбой» дейиши ила уни танита олайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАҚИЛМОҚ** II I Ушламоқ; тегмоқ. *Эшикнинг қулф ва занжири бўлмай юзга ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у [йигит] эшикка тақилмади, машаққатлиб деворга минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Нутқда, гапда кимса ёки нарса ҳақида тўхтамоқ, гапириб ўтмоқ. *Докладчи кўп масалаларга тақилмади.*

**ТАҚИМ** Оёқнинг тизза ости букиладиган жойи. *Қизнинг қора, узун сочи майда ўрилган, тақимидан настига тушиб турарди.* Айни, Дохунда.— *Ия, Обиджон,— тиржайиб гапирди Қамбар,— мен ўйлодимки, улоқни тақимга босиб келасиз, бу ерда, қозон осамиз деб, қуруқ томоша денг.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАҚИМЛАМОҚ** От устида ўтирган ҳолда бирор нарсани (мас., улоқни) тақими остига босиб олмоқ. *Орият зўр нарса. Сен ҳам майдондасан. Улоқ отининг елкасида турибди, тақимла.* И. Раҳим, Ихлос.

**ТАҚИМЛАШМОҚ** тақимламоқ *фл. бирг. н.*

**ТАҚИМОҚ** с. т. Айбни бировга ағдармоқ, тўнкамоқ, бировдан кўрмоқ. *Қилғиликни қилиб, нега бировдан тақийсан?*

**ТАҚИНМОҚ** тақмоқ 1, 2 *фл. ўзл. н.* Дарвозанинг икки бурчида.. қилич тақиниб, милтиқларига суянган икки йигит кўринди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ойзебом уйдан чиқади қоқиниб, Одам билмас яхши гулдан тақиниб.* «Ёзи билан Зебо».

**ТАҚИНЧОҚ** Узук, исирга, маржон каби зеб-зийнат буюмлари. *Сиз ўша тақинчоқ, долларга банда, Вилладан дунёга ташлайсиз назар.* Зулфия.

**ТАҚИР** I от, геогр. Қаттиқ қатқалоқ билан қопланган, ўсимлик кам ўсадиган ёки сира ўсмайдиган ер. *Қум уюмлари орасида нуқул гилдан ҳосил бўлган майдонлар учрайди. Бундай жойлар тақир деб аталади.* «Ўзбекистон географияси». Бу ерлар [Одамтош] бир вақтлар нуқул тақир, шағал ёстанган оволюк жой бўлган. Р. Раҳмонов, Восия ака.

**2 сфм** Гнёх ўсмайдиган; қуриб-қақшаб ётган; яланғоч. *Тақир ер.*

■ *Эргаш билан Ефим Данилович тақир бир тепаликда маҳорка тутатгани ўтиришган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тақир чўли қилади бўстон, Унинг номи уста пахтакор.* Зулфия.

**3 сфм** Сочи, жуни, туки йўқ; туксиз. *Тақир гилам. Тақир пўстак.* ■ *Ёни-*

даги бўш стулдан сидирға қора бахмал дўпписини олиб тақир бошига кийди. С. Анорбоев, Оқсой. || [Исмоил] Сайёрадан кеचирим сўраб, тиз чўкди. Шунда унинг тепасидаги сочи тўкилган овозинга тақирқ Сайёрага жуни тушиб кетган эски пўстакдай хунук кўринди. П. Қодиров, Қалбаги қуёш.

**4 сфм**, *кўчма* Ҳеч нарса тўшалмаган; яланғоч. *Тақир ерда ухламоқ.* ■ *Йўлдош ака тақир шолчага худди саккиз қават кўрпачага ўтиргандай бамайлихотир ёстаниб олди.* Ҳ. Назир, Васият.

**5 рш** Сира, асло; мутлақо, бутунлай. *Бу шидан тақир хабарим йўқ.* ■ [Нодира:] *Уй анжомларим, кийимларим кўзимга тақир кўринмади.* Ҳамза, Майсарининг ийди.— *Кўз тиқиб турган ерларимиз эски ариқданки сув ичолмайди, янги ариқдан тақир ичолмайди, яна азалидий қақраб ётаверди,— деди Ҳасан сўфи.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Сира қолдирмасдан, тозалаб, қиртишлаб. Сочини тақир қирдирган бир киши сал жилмайиб қараб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу одам.. соқолини тақир қирдириб, буркининг тақинасидан ишанча қори мўйлов қўйган.* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Нуқул, фақат; қуруқ. У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб ичади, гўштини ейди, менга тақир суяк билан бир коса жирсиз сув келтиради.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТАҚИРЛАМОҚ** айн. тақилламоқ. *Эшик тақирлади. Ўзоқдан араванинг тақирлаган овози эшитилди.*

◆ **Тақирлаган совуқ** қаттиқ, қуруқ совуқ.

**ТАҚИРЛАТМОҚ** тақирламоқ *фл. орт. н.* *Латофат эшикни қаттиқ уриб тақирлатди.* Ҳ. Зиёнонова, Арзанда.

**ТАҚИР-ТУҚУР** I тақл. с. Қисқа-қисқа қаттиқ тарақлаган товушлар; тарақ-туруқ. *Тақир-туқур қилмоқ. Қолхоз устахонасида ҳам меҳнат сурури ҳукмрон. Болғаларнинг тақир-туқури, ишиларнинг шўх қаҳ-қаҳалари баралла эшитилиб турибди.* Ш. Умурзоқова, Баҳорни қутлаб. *Эъвозхон.. ўй билан ўтирганда йўлдан мактабга бурилган арава ғилдирақларининг тақир-туқури эшитилди.* Ҳ. Ғулум, Машъал. *Қулоғига тунука томнинг бир меъёра тақир-туқур қила бошлагани эшитилди.* М. Худойқулов, Зангори кема капитани.

**2** Қақир-қуқур, лаш-луш(лар). *Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил эҳжозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТАҚИШМОҚ** тақмоқ *фл. бирг. н.* *Қизлар биланузук ўрнига соат тақишади.* ■ *Рожистонликлар бошларига қизил салла ўраб юришар, ҳатто эркакларигача бўйинларига маржон тақишар экан.* М. Қаюмов, Ҳиндистон хотиралари.

**ТАҚИҚ** Ман, қатағон. *Тақиқ қилмоқ (этмоқ). Тақиқ этилган адабиёт. Кириш тақиқ этилади!*

**ТАҚИҚЛАМОҚ** Ман этмоқ, қатағон қилмоқ, тақиқ қилмоқ. Чекишни тақиқламоқ. — Бизда йўқ чеғара, дину, ирқу, ранг — Ақл тақиқлаган барча жаҳолат. Ғ. Ғулом.

**ТАҚИҚЛАНМОҚ** тақиқламоқ *фл. мажх. н.* Дездема ишлаб юрганимда шаҳар четига чиқиб, яширин байрам ўтказдик. Чунки очик байрам қилиш тақиқланган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАҚИҚЛАТМОҚ** тақиқламоқ *фл. орт. н.*

**ТАҚИҚЧИ** *с. т.* Тақиқ қилувчи, кўз остига олиб, тергаб турувчи; тақиқловчи, терговчи.

**ТАҚИҚЧИЛИК** *с. т.* Ҳамма вақт, ҳамма нарсани тақиқ қилавериш. — Нодон бир кимса тепамда тақиқчилик қилиб турса, билмадим бу ёғи қандоқ бўлар экан? — деб қўлларини ўйнатиб шикоят қилди қори. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТАҚИҚЛИД** [а] 1 Иш-ҳаракатда, юриш-туришда, ижодда ўзгага эргашиш, ўхшаш ёки ўхшатиш ва унинг натижаси; ўхшатма. Адабий тақлид. Тақлид қилмоқ (*этно.*). Булбулга тақлид қилиб сайрамоқ. Ёмонни танқид қилади, яхшига тақлид қилади. Мақол.

— Қўш белбоғ чапанчасига наст боғланган, [Ёрматнинг] юриши ҳам олифталарга тақлидни кўрсатар. эди. Ойбек, Қутлуг қон. Марғилон атласи товланаркан шўх, Фарғона ҳуснига тақлид эмасми? Фарғона мақтовин қилса минг қўшиқ Айтинг-чи, шоирлар қачли эмасми? Ж. Жабборов. 2 *с. т.* Тахлит, тарз. Рожистонда шу тақлиддаги ҳашаматли бинолар кўп бўлар экан. М. Қаюмов, Ҳиндистон хотиралари. [Қодирқул:] Ишинг бу ёғини хон тақлид қилдик, энди гап ҳоким тўрада қолди, холос. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Шотанинг у йўлбарс, тақлид полвони. Саккиз аср оша келди бизга ҳам. К. Муҳаммадий.

**ТАҚЛИДАН** [а] *реш* Ўзгага ўхшаб ёки ўхшатиб, тақлид қилиб. Бу одам аввал уятчан қизларга тақлидан ноз қилиб, кейин ҳалиги беқасам тўн кийган жувонга тақлидан ўйинга тушиб ҳаммани кулдирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Хўжабековдан сўнг Саидғози сўз олди. У ҳар вақтдагидек кўримсиз жуссасини раисга тақлидан тиктирган кулранг шерсть кителига яширган эди. А. Анорбоев, Оқсой.

**ТАҚЛИДИЙ** [а] Тақлиддан иборат бўлган, тақлид натижасида юзага келган. Тақлидий шер.

**ТАҚЛИДЧАН** Тақлид қилиш қобилиятига эга бўлган, тақлидга мойил, тақлидга уста. Болалар жуда тақлидчан бўлади.

**ТАҚЛИДЧАНЛИК** тақлидчан *с.* белги *оти.* Болада тақлидчанлик ва таъсирчанлик хусусияти кучли бўлади. Қ. Абдуллаева, Фарзандларимиз аҳил бўлсин.

**ТАҚЛИДЧИ** Ўзгаларга тақлид қилувчи, тақлид йўлидан борувчи. Тақлидчи шоир.

**ТАҚЛИДЧИЛИК** Ўзгаларга тақлид қилиш; тақлидий йўл (*мас.*, ижодда).

**ТАҚМАГУЛ** Сертикан, гули майда ёввойи атиргул; жингул.

**ТАҚМОҚ** 1 Безак буюмлари, медаль, қурол ва ш. к.ни тананинг (кийимнинг) бирор жойига ўтказиб, осиб ёки боғлаб ўрнатмоқ. Бармоққа узук тақмоқ. Кўкракка медаль тақмоқ. Қулоққа исирга тақмоқ. Бўйнига маржон тақмоқ. Белга қилич тақмоқ. Сочга лента тақмоқ. — Гунафшалар очилди, чакканга тақ, чакканга тақ; Атир ҳиди сочилди, Чакканга тақ, чакканга. 3. Диёр. Тўғридази деворга Охун бобоевнинг чақмоқ телпак кийиб, кўкрагига қизил лента тақиб тушган сурати ёпиштирилган. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Тўғнамоқ, чатмоқ. Қўйлакка тўғна тақмоқ. Белбоққа муноқ тақмоқ.

3 Тешигидан ўтказиб қўймоқ, ўтказмоқ. Кеча сутдек ойдин. Игнага ип тақса бўлладиган. Ойдин, Қўнгли тўлдим, яхши йигит.

4 Умуман бир нарсани бошқа нарсага маҳкамламоқ. Олимов таёқлар тепасига чиллақдай айрилар боғлаб, уларга қизил қогоздан варрак қулогидай шокилалар тақиб қўйди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 Кўчага Ўзгага ағдармоқ, тўнкамоқ; бировдан кўрмоқ. Ўз айбингни бировга тақма. — Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақайтганим йўқ-ку! А. Қаҳҳор, Мунофиқ. | Ном, лақаб бермоқ. — Қишлоқдагилар шунча лақаб тақиб қўйишган. Сиз ҳали уни [Бўрибойни] танимасиз? — деди Холиқжон. Ҳ. Назир, Қуруқ ёғоч ҳам эгилади.

**ТАҚОВУЛ** [а] *с. т.* Ўзаро мос, муқобил. Ҳури билан иккови унга от ҳам қўйиб қўйишган: ўғил тугилса Элбекка тақовул — Шербек, қиз тугилса Ҳурига тақовул — Нури қўйишди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТАҚОЗО** [а] Бирор ҳолатдан, вазиятдан келиб чиқадиган талаб. Замон тақозоси. Ҳаёт тақозоси. Тақозо қилмоқ (*этно.*). — 1861 йилда иқтисодий зарурат тақозоси билан ва деҳқонларнинг тобора ўсиб бораётган талаблари тақдиди остида чор ҳукумати крепостной ҳуқуқни бекор қилишга мажбур бўлди. «КПСС тарихи». Тақдирнинг тақозоси билан бахт юлдузлари булутлар ичига шўнғиди. Ойбек, Навоий. [Отабек:] Мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёрсиз эдим: ҳаётимизнинг, номусимизнинг сақланиши бунга тақозо этар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАҚРИБАН** [а] *реш* Тақрибий равишда, тахминан. Масалани тақрибан ҳал қилмоқ. Тақрибан ҳисобламоқ.

**ТАҚРИБИЙ** [а] Жуда ҳам аниқ эмас, лекин ҳақиқий қийматга энг яқин. Тақрибий сон. Тақрибий ҳисоблашлар.

**ТАҚРИЗ** [а] *айн.* рецензия. Илмий тақриз. Ижобий тақриз. Тақриз ёз-

моқ. — Саидий бунга катта бир тақриз ёзиб, Улфатни пролетар мафкурасини ўзлаштириб етмаганликда айблади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТАҚРИЗЧИ** Тақриз ёзган ёки ёзадиган киши; тақриз авторни.

**ТАҚРИР** [а] *эск. кт.* 1 Хат, мактуб, нома. Аммо бу тақрирни.. муайян қатли ом соати етмагунча.. пўшида [яширин] тугилмоғи маъқулдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ўзув, Ўзма асар. Навоий ҳар асарким қилса тақрир, Бўлибдур Андижон қаъзида тақрир. Ҳабибий.

2 Ўзма таҳлил; илмий текшириш. Тақрир қилмоқ (*эки этмоқ*) 1) Ўзмоқ, хат Ўзмоқ; мактуб юбормоқ. Муштум почта!.. тушимни сизга тақрир қили.. таъбир айтиб беришимизни сўрайман. «Муштум», 1925, № 8; 2) фойда-зиёни ҳақида мулоҳаза юритмоқ, ўйлаб кўрмоқ; таҳлил қилмоқ. Азизим, росгай, бир сўзга бўл, ёлғонни касб этма, Киши тақрир этарда чин-чину афсона-афсона. Ҳабибий; 3) муносиб кўрмоқ, лойиқ деб билмоқ, қисмати, тақдир деб белгиламоқ. Чурликни муллалар сенга қилдилар тақрир, Кел бугун бу заҳминга маърифатни дармон қил. Ҳамза.

**ТАҚСИМ** [а] 1 Ўзаро ёки ҳар кимга, ҳар жойга ўз улушини, тегишини ажратиб бериш; расамда, тақсимот. Даромад тақсими. — Қазув тақсими бой учун ҳам, камбағал деҳқон учун ҳам барабар бўлиб, минг таноб ери борга ҳам, чорак таноб ери борга ҳам бир эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *эск. мат.* Бўлиш, бўлиш амали. Тақсим қилмоқ (*эки этмоқ*) 1) бўлмоқ, бир неча қисмга ажратмоқ; ўзаро ёки ҳар кимга, ҳар жойга ўз улушини, тегишини ажратиб бермоқ; расамда қилмоқ, тақсимламоқ. Даромадни артель аъзоларига тақсим қилмоқ. Ҳаммага барабар тақсим қилиб бермоқ; 2) *мат.* бўлиш амалини бажармоқ; бўлмоқ. Берилган сонни бешга тақсим қилмоқ. Бир тақсим икки бир бўлув икки

$\left(\frac{1}{2}\right)$ .

♦ Тақсим сон *грам.* бўлак, улуш ифодалайдиган сон, *мас.* бештадан, учтадан.

**ТАҚСИМЛАГИЧ** *тех.* Машина, двигател ва ш. к.да газ, пар, электр-энергияси ва ш. к.нинг юришини, оқшини тартибга соладиган қисм, мослама.

**ТАҚСИМЛАМОҚ** 1 Бир неча қисмга ажратмоқ, бўлмоқ; ўзаро ёки ҳар кимга, ҳар жойга, ўз улушини, тегишини ажратиб бермоқ; расамда, тақсим қилмоқ. Даромадни тақсимламоқ. Кадрларни тақсимламоқ. Совғалар болаларга тақсимлаб берилди. — Осон ишда лаззат бўлмайди, Адолат. Қундузи билан ер тақсимлаймиз. Кечаси қарор ёзилади. С. Зуннунова, Гулхан. Мавлон ака нонушта устида бугун қилинадиган ишларни оила аъзолари



ўртасида тақсимлади. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 эск. мат. Бўлиш амалини бажармоқ, бўлмоқ. Мингги бешга тақсимламоқ.

**ТАҚСИМЛАНМОҚ** тақсимламоқ *фл. мажх. н.* Ҳозир колхозларда даромад тақсимланмоқда. — Йиғилишида ёш совет ходимлари волостларга, қишлоқларга, овулларга ишга тақсимланди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ТАҚСИМЛАТМОҚ** тақсимламоқ *фл. орт. н.*

**ТАҚСИМЛАШМОҚ** тақсимламоқ *фл. бирг. н.*

**ТАҚСИМЛОВЧИ** 1 тақсимламоқ *фл. ш. оти.* Иш тақсимловчи. || Маориф бўлимида иш қизғин эди. Янги ўқитувчиларни жойларга тақсимловчи комиссия аъзоларидан ташқари бир қанча одамлар эшикдан эшикка кириб-чиқиб юрардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. тақсимлагич. *Электр тармоғининг тақсимловчиси.* || Тақсимловчи қурилма.

**ТАҚСИМОТ** [а] Ўзаро ёки ҳар кимга, ҳар жойга ўз улушини, тегишини ажратиб бериш, тақсим қилиш; бўлиш, расамд. Даромад тақсимоти. Меҳнат тақсимоти. Тақсимот механизми. — Элмурод ҳукумат тақсимот комиссиясининг мажлисига бориш учун келган дўстлари билан. қўл бериб кўришди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кейин одамлар тарқала бошлади-ю, Эшонбоев билан Зокир янги аъзоларни вазифа тақсимотига бошлаб кетди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ТАҚСИМЧА** Кичикроқ тарелка; лycop. Татар бойи [қойни].. тақсимчага қўйиб совутиб ича бошлади. Айний, Қуулр.

**ТАҚСИР** [а] эск. Амалдорларга, бой ва муллаларга ҳурмат билан мурожаат қилиш формаси. [Муладўст:] Тақсири, бизнинг тожи давлатимиз жанобингиз-да. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ТАҚ-ТАҚ** тақ *с. тақр.* Тақ-тақ (қилиб) эшик қоқмоқ. — Ташқаридан кимнингдир дарвозани ошиғич тақ-тақ ургани эшитилиб, Азизбекнинг оти ҳурқибми, кўрқибми, кетиға буррилиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тақ-тақ садо бериб турган деворнинг бир еридан «ўн» этган товуши чиқди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ТАҚТИРМОҚ** тақмоқ 1—4 *фл. орт. н.* Ана эшит, овсин! Зеномдан ўргилай, қариганимда биласизми тилла соат тақтирмасам. Н. Сафаров, Олия-хон Султонова.

**ТАҚ-ТУҚ** тақ *с. тақр.* Тақ-туқ қилиб ишламоқ. || Ғилдиракларнинг тақ-туқи. — Салтанат.. пошниси баланд туфлиси билан полни тақ-туқ босиб, давранинг ўртасига чиқди. О. Еқубов, Бир фельетон қиссаси.

**ТАҚЧИЛ** Кам бўладиган, кам топиладиган, етишмайдиган; камёб, камчыл. Сув тақчил ерлар. Тақчил хомашё. — Қишлоқдаги Абдимўмин кулол

ҳам икки йил муқаддам қазо қилиб, товоқ-идишлар анча тақчил бўлиб қолган эди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ТАҚЯ** [а] эск. Сидирға матодан тайёрланган гулсиз дўппи. Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла. Ойбек, Навоий. | диал. Ҳар қандай дўппи. Бир оздан кейин эс-хушини йиғиб олиб, оёқ товуши келаётган томонга қариди ва эркак киши эканини билиб тақя устидан ўралган кичкина шол рўмолини юзига тортиди. Ойдин, Сухвати жонон.

**ТАҚҚА** *рвш* Бирдан ва қимир этмай. Отлар.. таниш чорраҳага етганда, таққа тўхтади. М. Муҳамедов, Кичик гарнизон. Шербек меҳмонхонага бош суқди-ю, остонада таққа тўхтаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳайдарали тепкини босган ҳамон, гуриллаб келаётган машина таққа тўхтади. А. Шермухамедов, Писевт тик пахлавон. | Бутунлай, мутлақо, тамоман. Сув таққа тўхтаб қолди. Кулги таққа тўхтади. Оғриқ таққа тўхтади. — Бойнинг ишлари ҳам таққа тўхтаб қолди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ТАҚҚА-ТАҚ** айн. тақатақ.

**ТАҚҚОС** [а] Ўзаро солиштириш, чоғштириш; қиёс. Таққос қилмоқ. — Гул дея атабсан севган ёрингни, Гўзал туюлгандир сенга бу таққос. Аммо мантқиқ шулки, дилдоринг умри Гулга ўхшаймайди, гулнинг умри оз. Уйғун. Ҳақиқатни афсона билра таққос Қилайлик бир-бирига мос. Ҳабий.

**ТАҚҚОСЛАМА** кам қўлл. Ҳодисаларни ўзаро таққослашга асосланган, чоғштирма, қиёсий. Таққослама материаллар.

**ТАҚҚОСЛАМОҚ** Ўзаро таққос қилмоқ, солиштирмоқ, чоғштирмоқ; қиёсламоқ. Фактларни таққослаб кўрмоқ. Таққослаб бўлмайдиган юксак суръатлар. — У.. тор йўлининг ҳар икки томонидаги гўзаларни таққослади. Ойбек, О. в. шабадалар. [Ойимхон опа] ўз ўтмиши билан совет ҳукумати кўрсатган инсонпарварликни бир-бирига таққослаганда кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТАҚҚОСЛАНМОҚ** таққосламоқ *фл. мажх. н.*

**ТАҒАЙЮР** [а] эск. кт. Ўзгартиш, тусини ўзгартириш, ўзга тусга кириш. Юзида тағайюр пайдо бўлди. — Ҳолингизда тағайюр кўраман, ўтиринг,— жой кўрсатди соҳиб Доро. Ойбек, Навоий.

**ТАҒИ** *с. т.* Тағин, яна. Шомуроднинг ачиғи келиб, Чандана чолга тағи бир сўз айтиб турган экан. «Ёдгор». Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча, Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча. «Равшан».

**ТАҒИН** *рвш* 1 Бунинг устига, бундан ташқари, устига устак; яна, боз. Усти кийимга, қорни овқатга ёлчимаган дедингизми? Кўйингиз-э, эскиларимни шу кияди, салқитимни шу ейди. Тағин нима керак унга?! П. Турсун, Ўқитув-

чи. Бу хатим бориб етмасдан, тағин хат келди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Қайтадан, иккинчи марта, яна бир бор.— Энди Шоабдуфаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайми? Ўзинг чақирдинг, ўзинг бутурдинг.. Тўлайбер, ахир, бир кунни тағин директор бўлиб қолар. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Уртада тағин сўзсизлик, ўнғайсизлик бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 куч. юкл. вазифасида Тағкид, ҳадиксираш каби маъноларни билдиради. [Султон:] Бу сўзингиз тўғрими? Кейин тағин сўзингиздан қайтманг. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Ўйнай-кейин, ҳозир бўлинлар, қақир ерларга жон кирганда, тағин Тешабой илиб кетмасин. М. Исмонлий, Фарғона т. о.— Мен сени шаштингдан қайтариб кўйган бўлай тағин,— деди Ефим тоға Эрашга. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТАҒОЙИ** эск. кт. айн. тоға. Алишернинг тағойилари Хусайн Бойқаро ҳазратларининг яқин одамлари бўлганлар. Ойбек, Навоий.

**ТАҒОФИЛ** [а] кт. Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш, рўйхуш бермаслик. Бир табассум билра сайд этдинг кўнгилли аввало, Охири нозу тағофил бўлди иш, эй дилрабо. Ҳабий. Ўзини тағофилга солимоқ кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмамоқ. Гарчи муддао кун каби ошқорга бўлган бўлса ҳам, нима учундир қутидор яна ўзини тағофилга солиб сўради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТАҒАЙЮР** [а] эск. кт. Жуда ҳам хайрон бўлиш, нима қилишни, нима дейишни билмай қолиш; хайронлик, хайрат. Қалла хариди борасида тағайюрда қолиб, .. эру-хотин кўзимиз уйқуга кетибур. «Муштум», 1927, № 14. Тағайюр бармоғини тишламоқ хайратда бармоқ тишлаб қолимоқ. Шираворларнинг усти қоп-қора.. пашиша билан банд.. Бу ҳолатнинг томошасида тағайюр бармоғини тишлаб турган эдим, ҳалиги хуш сурат [сотувчи].. пашиша босган молларни мақтаб кетди. «Муштум», 1927, № 14.

**ТАҲАММУЛ** [а] эск. кт. Қийинчиликка бардош бериш; чидаш; чидам, сарб, тоқат. Ҳар қандай ташқи душман унинг [Хусайн Бойқаронинг] ерига босиб кирса, ҳар қандай бек исён кўтарса, у қайғурмас, ёлғиз газабланар, ҳам таҳаммул ва сабот билан сафар чораларини кўрар эди. Ойбек, Навоий. Таҳаммул қилмоқ (ёки этмоқ) 1) бардош бермоқ, чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; сабр-тоқат билан кутмоқ. Бек.. яна ярим соат таҳаммул қилсангиз, ошми еб йўлга тушасиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кифояланмоқ. Тушда иштаҳа бўлмай, қовун билангина таҳаммул қилганларидан, қорин оч, бунинг устига-устак, жазирама офтоб. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ТАҲ-БАТАҲ** айн. қатма-қат. Кўн-



гилни гунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг кетдинг. Муқимий.

**ТАХДИД** [а] кт. 1 Қўрқитув, дўқ, пўниса. Таҳдид қилмоқ. — Гулнорнинг захарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъи ярад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ; таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Нусратилла меҳмоннинг кўзига қараб туриб, таҳдид билан айтди: — Чиқиб кетинг! А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ёрмат унинг [Салимбойваччанинг] кийимини қоқиб, қўлтиғига кириб, уйга етаклар экан, у таҳдид қилди: — Шошма ҳали, пешанангдан отиб ерга қўзилтирмасам одам боласи эмасман. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор фалокатнинг, қўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи; хатар, хавф. Таҳдид солмоқ. — Бу пунктда барқарор бўлган совет кучлари душманнинг сўл қанотини катта таҳдид остида қолдирганди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТАХДИДЛИ** Таҳдид солувчи, қўрқинчли, хавфли; таҳдид ифодаловчи. Замира бошини кўтариб, унинг кўзига-ги захарли олов бузун жуда таҳдидли эканини кўрди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ТАҲЛИКА** [а] Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш хавфи туғилган ташвишли ҳолат. Сел таҳликаси эсон-омон ўтди. — Аҳмад Хусайнни кўриш биланок ҳар гал қўрқу ва таҳликани унутса-да, юрагининг бир чеккаси ҳамиша ғаш бўлар эди. Ойбек, Нур қидириб. У [Мирза] энтиқар, худди таҳликада қолган одамдай ҳовлиқар эди. О. Ёқубов, Мирзатерак. Ички контрреволюция ўз сирининг фош бўлишидан таҳликага тушган эди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ТАҲЛИКАЛИ** Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли, хавфи бўлган, таҳликага солувчи, хавфли. Таҳликали кунлар ўтиб қиз ўзига келди-ю, .. гул япродек юзининг чўтир бўлганини пайқаб, яна ўзини йўқотди. С. Шамсиева, Шифокор.

**ТАҲЛИЛ** [а] 1 айн. анализ. Илмий таҳлил. Танқидий таҳлил. — Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур. А. Раҳмонов, Ҳурмат-эхтиром. Марказий адабий уюшма, ўзининг бир мажлисида ёш ёзувчилардан бир мунчагининг асарларини таҳлил қилганда, Саидийга ижобий баҳо берди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 дин. Дафн маросими олдида марҳум тепасида давра олиб, тиловат қилиш.

**ТАҲОРАТ** [а] дин. Ибодат қилиш, намоз ўқиш, қуръон тиловат қилиш олдида бет, қўл, оёқ ва бошқа аъзоларни ювиш, покланиш. Таҳорат қилмоқ (олмоқ). — Сўфи азонни айтди, гарчанд таҳоратим бўлмаса ҳам кириб жамоат билан намоз ўқидим. Ғ. Ғулом, Шум бола. Эшон ая ичкарига

ўрин солиб, обрез олдига обдастада таҳорат суви қўйиб, меҳмонхонага чиқди. С. Аҳмад, Хукм. Ҳозир таҳорат олдим. Намози жумани ўқиб олай. С. Аҳмад, Хукм. Таҳорат ушатмоқ (ёки синдирмоқ) ёзилмоқ, бўшалмоқ. Меҳмонлар ўринларидан туриб, увишган оёқларини уқалаб, керишиб ким қўл ювишга, ким таҳорат ушатмоқ тарқалди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТАҲОРАТХОНА** [а+ф+т] 1 Таҳорат олиш, ювиниб покланиш учун мосланган махсус хона. Масжид таҳоратхонаси.

2 с. т. Ҳожатхона, халохона. Никкоҳ-никоҳда, ош-ошда қолиб, куёвни қидириб кетганлар. Ниҳоят ярим кечада ҳаммомнинг таҳоратхонаси ёнидаги бир оғилнинг охиридан қонига белашиб ётгани ҳолда топганлар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТАҲРИР** [а] 1 Ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш. Мақола таҳрирга берилди. Асар таҳрирдан чиқди. Қитоб профессорнинг таҳрири остида босилди.

— Замира оқшомлари Очил билан бирга ишларини, у ёзган, таҳрир қилган нарсаларни оққа кўчиришни тасаввур этиб, юраги гурсиллаб ура бошлади. П. Қодиров, Уч илдиш. Саидий ҳикояни бир ҳафтада татом қилиб Илҳомга кўргани берган эди, икки кундан сўнг уни Аббосхоннинг қўлида таҳрир қилган ҳолда кўрди. А. Қаҳҳор, Сароб. Тўпламдаги.. айрим мақолалар таҳрирга муҳтож. Ф. Абдуллаев, Икки хил ёрдам. Таҳрир хайъати эск. ред. коллегия.

2 эск. Ёзиш, ижод қилиш. «Нукта лаб устида бежодур» дедим, айтди кулиб: «Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда» Фурқат. Уз эрким бирла сўз мулкида айлаб ранг-баранг таҳрир, Гоҳи меҳнатни қуйиб, гоҳи ишқимни қилиб тасоир. Ҳабибий.

**ТАҲРИРИЙ** [а] Таҳрирга оид, редакцион. Таҳририй иш. Таҳририй тузатиш. Таҳририй хато.

**ТАҲРИРЧИ** с. т. Таҳрир қилувчи; муҳаррир, редактор.

**ТАҲСИЛ** [а] 1 Ўқиш, билим олиш. [Абдушукур] таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Таҳсил учун Истамбул ёки Мисрга жўнаш орзуси маблағ йўқлигидан амалга ошмади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ўқиш мавсуми, ўқиш даври, дарс бериладиган кунлар. Таҳсил бошлангани билан ҳар бир тўда муллаваччалар патнис ясаб.. домлаларнинг олдига олиб кирар.. эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Таҳсил қилмоқ (ёки этмоқ) мутолаа қилмоқ, муस्ताқил равишда ўқимоқ, ўрганмоқ; билим олмоқ. Исқандаро бир неча йил мактабда қуръон таҳсил қилиб, ўқиш-ёзишни ўргангандан сўнг уйда қолган. Ойбек, Нур қидириб.

2 Билим, маълумот. Сиз ибтидоий ва ўрта таҳсилни татом қилгансиз. А. Қаҳҳор, Сароб. Шунча таҳсил ва

тарбия берганларингиз учун раҳмат. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Таҳсил олмоқ (ёки кўрмоқ) маълум ўқув юртида ёки бирор мутахассис раҳбарлигида ўқимоқ, билим, маълумот олмақ. Хусайнбек афанди асли хоразмлик бойлардан бўлиб, Туркияда таҳсил олган.. эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ғиёсиддин Бухоронинг девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади. С. Аҳмад, Хукм.

**ТАҲСИН** [а] 1 Мамнуният билан берилган юқори баҳо; мақтов, тасанно. Қўнчиликнинг таҳсин ва раҳматига сазовор бўлиб, яхши одам деган номга муносиб бўлиш осон эмас. Шукрулло, Яхши хулқ — яхши хусн. | Маъқуллаш, қувватлаш, тақдирлаш ифодаси. Ғуломжон қозининг кўз қарашини алақандай илиқлик, ҳатто таҳсин сезд. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Таҳсин ўқимоқ (ёки айтмоқ) кўкка кўтариб мақтамоқ, юксак баҳоламоқ, тасанно ўқимоқ. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқий-ўқий, нос чекиб, ўз жойига ўлатирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 унд. с. Балли, офарин. Таҳсин қилмоқ (этноқ). — Улуғ жангларда бизга тан бериб, таҳсин деди дунё. Ҳабибий. — Таҳсин-таҳсин! — дейди Хатиб домла [мулла Обидга] ҳасадли таажжуб билан, — тоза ҳам пулни қирдик, денг.. Таҳсин-таҳсин! А. Қодирий, Обид кетмон. Мажлис татарнинг ҳимматига таҳсин қилиб олақшилайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТАҲСИНЛАМОҚ** Таҳсин этмоқ (қилмоқ), «балли», «офарин» каби сўзлар билан қарши олмоқ, юксак баҳоламоқ. Мен ҳам уни моҳирона рақс қилиш билан таҳсинлаб мақтадим. Айний, Эсдалаиклар.

**ТАҲҚИР** [а] кт. Хўрлаш, ҳақорат қилиш, камситиш; ҳақорат. Таҳқир қилмоқ (этноқ). — Ойша холанинг таҳқири ва ёлғизлик алами билан кўйиниб турган Майна бармоқ уни билан бетига тушсан ёш томчиларини сидириб, ўзида қандайдир енгиб бўлмас бир куч сезд. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Кекса она очлик-муҳтожликда, таҳқир ва тубанликда кун сайин сўлиб, бойнинг бостирма ёнидаги қора хужрасида қизининг ўз қўлида жон берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ваҳший, йиртқич қўлларда сочинг юлинди. Таҳқир ханжари билан кўксинг тилинди. Ғайратий. [Зарчакўз] қамшиқапаликларни дағал ном билан таҳқир қилар.. эди. П. Туреун, Ўқитувчи.

**ТАҲҚИРЛАМОҚ** Таҳқир қилмоқ, хўрламоқ; оёқ ости қилмоқ, камситмоқ. Бухоро амирлигида яҳудийларни таҳқирлаб, телларига чизимча, бошларига кўзи берисидан қилинган бош кийим кийиб юришга мажбур этилган эди. Ғ. Расул, Адолат.

**ТАҲҚИРЛАНМОҚ** таҳқирламоқ фл. мажх. н. Содиқ амин ётан еридан туриб ўтирди. Жаҳли чиққан, аф-

тидан, *иззат-нафси таҳқирланган кўринади*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг қорни, қизларнинг таҳқирланган номуси учун сўнги нафасгача курашинг. Ойбек, Куёш қораймас.

**ТАҲҚИРЛАШМОҚ** таҳқирламоқ фл. бирг. н.

**ТАҲҚИРЛИ** Таҳқир, ҳақорат ифодаловчи, таҳқирловчи; Таҳқирли кулги. Таҳқирли пичинг. ■ Мирзакаримбойнинг бундай муомаласи йўлчига таҳқирли бўлса ҳам, кутилмаган бир ходиса эмас эди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ТАҲҚИРЛОВЧИ** 1 таҳқирламоқ фл. ш. оти.

2 сфт Таҳқир қиладиган, ҳақоратли, таҳқирли. Таҳқирловчи гап. Таҳқирловчи ҳаракат.

**ТАҲҚИРОМУЗ** [a+ф-т] Таҳқир мазмунидаги, таҳқир, ҳақорат ифодалайдиган. Таҳқиромуз гап. ■ [Америка офицериди] ўзининг улугворлиги, давлати билан кибрланадиган одамлардагина бўладиган таҳқиромуз табассум пайдо бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТАҲҚИРОНА** [a+ф-т] рвш Таҳқир билан, таҳқирли. Таҳқирона пичинг қилмоқ.

**ТАҲҚИҚ** [a] эск. кт. Текшириш, суриштириш; аниқлаш. Таҳқиқ қилмоқ. ■ Таҳқиқ, тафтиш битган кунийёқ ўзим оғоҳлантирурман. Ойбек, Навоий.

**ТАҲҚИҚЛАМОҚ** эск. кт. Текширмоқ, аниқламоқ.

**ТАҲҚИҚЛАНМОҚ** таҳқиқламоқ фл. мажх. н. Қизнинг Тўғонбек томонидан олиб қочилгани таҳқиқланса, гап чувалиши мумкинлигини мулоҳаза қилди. Ойбек, Навоий.

**ТЕАТР** [р<грек] 1 Актёрларнинг сахнадаги ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётий ҳодисаларни бадний равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар. Кўпирчоқ театри.

2 Шундай санъат воситасида томошалар кўйиш билан шуғулланувчи муассаса. Навоий номли опера ва балет театри. Ёш томошабинлар театри. ■ Бизнинг театр ҳали янги-да. Уста ўйновчилар йўқ, — изоҳ, бера бошлади Абдушукур. Ойбек, Кутлуг қон.

3 Шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино. Театр томошабинлар билан лиқ тўлган эди. Бу ерда яна битта муҳташам театр ерд кўтарди.

4 с. т. Актёрларнинг сахнадаги ҳаракати орқали кўрсатиладиган томоша; спектакль. Эсингда борми, райондан театр кўриб келатган кечамиз, аравада Сотиболди, ашула айтамиз деб, Қанизакни қистади, кўнмагандан кейин соҳидан тортиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон. [Қодиржон:] . . . Бу кун кино ёки театр йўқми, шунини баҳона қилиб кетсам. Ҳамза, Ким ўғри?

**ТЕАТРУ** с. т. эск. Театр. Тошкент

ўзбекнинг санъати, товуши, Куёноқ музыкаси, куйи, обрўси. Бу ерда «Навойй», «Ҳамза», «Горькийдан Камолга етолди театри». Ф. Фулом.

**ТЕБРАЛМОҚ** кам қўлл. айн. теб-ранмоқ.

**ТЕБРАМОҚ** эск. айн. тебранмоқ 3. **ТЕБРАНГИЧ** Тебраниб, ликиллаб, қимирлаб турадиган нарса. Соат теб-рангичи.

**ТЕБРАНИШ** 1 тебранмоқ фл. иш оти.

2 физ. Тебранувчи ҳаракат. Эркин тебраниш. || Тебраниш контури радиотехника қурилмаларининг асосий элементидир. «Физика».

**ТЕБРАНИШМОҚ** тебранмоқ фл. бирг. н. Тингловчилар музиканинг сеҳрагар оҳангига берилиб мастона тебранишар эди. ■ Мана бир вақтлар мактаб учун ўзининг меҳмонхонасини инъом қилган Турдьювой халфа билан ўтакетган мунофиқ Олахўжа махсум ҳам аста тебранишиб томошага келишди. П. Турсун, Ҳўкитовчи.

**ТЕБРАНМА** 1 Тебранаидиган, чайқалиб турадиган. Тебранма стул.

2 физ. Тебранишдан иборат бўлган (қ. тебраниш 2.). Тебранма ҳаракат.

**ТЕБРАНМАС** 1 Ликилламайдиган, қимирламайдиган.

2 кўйма Узгармайдиган, мустаҳкам. Мусобақада ютиб чиқиш учун энг аввал ғалаба қилишга зўр хоҳиш ва тебранмас ишонч керак. Ф. Мусажонов, Чикинди. | Айтганидан, ўз фикридан қайтмайдиган, бир гапни маҳкам ушлаб оладиган. Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириб, баъзи тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТЕБРАНМОҚ** 1 Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бир текис ҳаракат қилмоқ; чайқалмоқ. Соат капгири бир текис тебранмоқда. Салмоқдор бошоқлар шамолда майин тебранади.

■ Шифтга осиглик беланчак бир текис тебранаркан, токчадаги чироқ нурида ҳовли юзига узун-узун соя ташлаб ўтарди. С. Аҳмад, Ҳўк. Куй бошланиб, раққоса ўйинга тушиши билан, атроф жим-жит бўлиб қолади. Ҳамма ўтирган жойида тебранади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | Умуман қимирламоқ; силқинмоқ. Шу вақт яна бир қармоқ ёғочи тебраниб қолди. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Нотекис ҳаракат қилмоқ, у ёқдан бу ёққа чайқалиб юрмоқ, лапангламоқ. Машина шаршара кўпригидан ўтиб, катта шағал йўлга тушган, ўнқир-чўнқир жойларда тебрана бошлади. И. Раҳим, Ихлос.

3 Жойидан кўзгалмоқ, жилмоқ, жўнамоқ, юрмоқ. Поезд тебраниди. | кўйма Ларзага келмоқ. Оқ подшоҳнинг тахти тебрана бошлади. ■ Шаҳри вайрон бўлса сўлтон тебрана. «Муродхон».

**ТЕБРАТИЛМОҚ** тебратмоқ фл. мажх. н.

**ТЕБРАТМОҚ** 1 Тебранама ҳаракат-

га келтирмоқ, бир текисда у ёқ-бу ёққа чайқалтирмоқ. Бошини тебратмоқ. Бешикни тебратмоқ. ■ Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепеди. Ойбек, Кутлуг қон. Узун сариқ капгириги бир мақомда тебратиб чиқилаётган катта девор соати узиб-узиб данғиллай бошлади. П. Турсун, Ҳўкитовчи. — Ҳа, баракалла, — Қудрат калласини тебратиб тасдиқлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Умуман қимирлатмоқ, силқимоқ. Бу сўзларга Қосим чўнг Тебратиб қалин лабин, Диққат билан эшитди Қодир охун талабин. Ғайратий.

2 Жойидан кўзатмоқ, қимирлатмоқ. Уни ҳеч тебратиб бўлмади, шунақанги оғир қарвон. | кўйма Ларзага келтирмоқ, солмоқ. Мен гапимни тамом қилиб эндигина блиндажга тушиб кетмоқчи эдим, қандайдир снарядларнинг чинқириғи қулоққа хунук эшитилди ва бирин-кетин гўмбурлаб, ўрмонни тебратиб юборгудек бўлди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 с. т. Тиркчиликни таъминламоқ, юритмоқ. Оилани тебратмоқ. ■ У[Маҳмуд Торобий] . . . сахардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзғорини тебратиб турарди. М. Осим. Маҳмуд Торобий. Икки ўғил уйни гулдай тебрата бошлади. А. Раҳмат, Эллик бир баходир. | Бошқармоқ, иш-ни юритмоқ. Қолхозни тебратиш турганлар, менинг суяган тоғларим иш ёқмасга чиқибди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бундан кейин деҳқончиликни билмасиз тебратиш қийин-да. Ҳ. Назир, Энг муҳамми. Бутун бошқар районни тебратиш турган Муродовлар ҳам сендан маслаҳат сўрайди. И. Раҳим, Ихлос.

◆ Қалам тебратмоқ ёзмоқ, ижод қилмоқ.

**ТЕВА** эск. кт. айн. туя. Қатор тевааларга сепини ортиб, Мардликнинг юртига етук қиз келди. Ф. Фулом.

**ТЕВАРАК** 1 Қузатувчига нисбатан кўз нлган ҳамма ёқ, томон, жой, атроф. Теваарак кўз югуртирар экан, Олимовнинг ҳам пешанаси тиришиб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Сувоғжон теварани қоплаб олган қоронғиликка кўрқинч тўла кўзлари билан тиклар, бутун вужуди билан ўз нидосига бирор жавоб кутарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, айланаси. Ҳовузнинг теваарада те-рактар ўсган. ■ Ўзининг.. теваараги текис қилиб қирқилган қора соқол ва чиройли мўйлови.. билан замонасининг қорни катта бойларига сира ўхшамасган Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Марказга нисбатан атрофдаги жойлар, маҳаллалар. Теваарадан келган вакиллар. ■ Яна теваарадан одамлар тўхтовсиз равишда бу ерга келмоқда эди. Ойбек, Кутлуг қон. | Муайян бир жой ва

унинг атрофидаги ерлар. Мен бу те-  
варақда паранжисини биринчи ўтга  
иригитганлардан. П. Турсун, Ўқитув-  
чи.

3 Бирор куч, группа ёки шахс ат-  
рофидаги доира. Тинчлик ва демокра-  
тия лагері Совет Иттифоқи тевара-  
гига жинслади. — У [Қудрат] ўз  
теварагига Ғуломжон, Замон, Барот  
полвон сингари ёру дўстларини йиғиб,  
уларнинг ёрдам ва мададлари билан  
қшилоқ мазлумларининг ҳақ ва ху-  
қуқларини, қўлдан келганича ҳимоя  
қилиб, уларга балозардон бўлиб кела-  
ди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ТЕВАРАКЛАМОҚ** с. т. Атрофлаб,  
ҳар томондан ўраб олмоқ; қуршамоқ.  
Қўзини очсанг, шунча халқни кўрар,  
теварақлаб турган жаллод — мирга-  
забни кўрар. «Равшан».

**ТЕГ** с. т. Таг. Катта толнинг  
тегида Совур ноёвийнинг дўконі бор.  
А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қимсан  
Мирзакаримбой теги наст, қашшоқ  
қизга уйланса, мен қандай чидайман.  
Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЕГАЖАК** Бировнинг аччиғини,  
жаҳлини чиқариш учун атайлаб те-  
гишувчи, тегажаклик қилувчи. Ўзи  
ишқ бўлгани учун Раънога ишқ, те-  
гажак ишгитлар кўпроқ ёқарди. О. Ёқуб-  
ов, Баҳор кунларидан бирида.

**ТЕГАЖАКЛИК** Бировнинг ач-  
чиғини, жаҳлини чиқариш учун атай-  
лаб тегишиш, ҳазиллашиш. Нури..  
ишгитларга ҳазиллашишни, тегажа-  
кликни яхши кўрар эди. Ойбек, Қутлуғ  
қон. Анавр гўшти тўғраб, яна те-  
гажакликни бошлади: — Тўғинлар  
қачон, ҳай қиз? А. Қодирий, Мехроб-  
дан чаён. — Смирно! Чап ёнга қара!  
Смирно! Унг томонга қара! — деб,  
ҳар хил қомандалар бериб, унга тега-  
жаклик қилиб ўтардилар. И. Раҳим,  
Чин муҳаббат.

**ТЕГАЖОҒЛИК** айн. тегажаклик.  
**ТЕГАНА** I [ф-т] махс. I Пойабзал  
қолипнинг устки ва остки қисми  
орасига қоқиладиган пона.

2 Чарм ва шу каби қалин-қаттиқ  
нарсаларни тиқишда ишлатиладиган  
катта йўғон игна.

**ТЕГАНА** II [ф-т] I махс. Тегирмон  
тошлари орасидан чиқаётган ун тушиб  
йиғиладиган гардишсимон жой.

2 Огларда бўладиган, тери остини  
пишириб, қабартирадиган касаллик.

**ТЕГАРЧИК** диал. Арава ғилдира-  
гининг гардиши, тўғини. Сидиқжон  
енги ва этақларини қоқди, отни чи-  
қариб араванинг тегарчигига боғла-  
ди-да, бостирмага кирди. А. Қаҳҳор,  
Қўшчинор.

**ТЕГДИРМОҚ** тегмоқ фл. орт. н.  
айн. тегизмоқ. Содик қўлидаги хан-  
жарини бир-икки қайта солиб кўрса  
ҳам, тегдириш учун кесманинг тубан-  
лиги халал берди. А. Қодирий, Ўтган  
кунлар. Аҳамдулло, шу вақтгача  
номимга доғ тегдирган эмасман. Ой-  
бек, Қутлуғ қон.

**ТЕГДОР** с. т. Тагдор, тагли, тубли.

Тегдор, обрўли бой экан, лекин кундош-  
лик ёмон-да. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТЕГИЗИЛМОҚ** тегизмоқ фл. мажҳ.  
н. Бу ишга ҳали қўл тегизилгани  
йўқ. Нишонга беш ўқ тегизилди.

**ТЕГИЗМОҚ** I тегмоқ фл. орт. н.  
У машинага ҳеч кимни тегизмайди.  
Мерган ўн ўқнинг ҳаммасини нишонга  
тегизди. — Отабек.. Қумушнинг манг-  
лайига қўлини тегизди. А. Қодирий,  
Ўтган кунлар. Ҳеч бир Хуросон паҳ-  
лавони, .. ҳали унинг [Мухаммад Саид  
пахлавоннинг] ёнбошини ера тегиз-  
ган эмас. Ойбек, Навоий. Тил тегизмоқ  
қ. тил 2. Қўл тегизмоқ қ. қўл. Гап  
тегизмоқ қ. гап I.

2 Қўйма Гапнинг мазмунини ким-  
сага қаратмоқ, гап билан кимсага  
тегмоқ. Қўйнидан тўкилиб, қўнжига  
тушсан, — Утап Бўронбекка тегизиб,  
пичинг отди. Ҳ. Ғулом, Манғ'ал. Қоля  
супа лабига ўтиргач, Маҳкам ака яна  
Витяга тегизиб, Қоляга гапирди.  
Р. Файзий, Сен егим эмассан.

**ТЕГИЛМОҚ** тегмоқ 4, 5 фл. мажҳ. н.  
Экспонатларга тегилмасин.

**ТЕГИРМОН** Ғаллани, донни янчиб  
ун қилиш — ун тортиш учун мос-  
ланган қурилма ва шундай қурилма  
ўрнатилган бино. Сув тегирмон. Ша-  
мол тегирмон. Тегирмон тоши. Те-  
гирмонга дон олиб бормоқ. — Соё бўйи-  
да бечисоб дарахтлар орасига қўмил-  
ган тегирмон сувиллар эди. А. Қаҳҳор,  
Асрор бобо. Бир тегирмон сув с. т.  
бир тегирмонни юргизишга етарли  
сув. Илгари канал тўғрисида гап бўл-  
ганда Сидиқжон уни бирон тегирмон  
сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди.  
А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Тегирмон тор-  
моқ** (ёки қилмоқ) ғаллани, донни те-  
гирмонда ун қилмоқ. Бозорингни ўзинг  
қил, тегирмонингни ўзинг торт. Ма-  
қол. — Отамнинг дўсти Маҳкамбой  
ака тегирмон қилдириб қўйган чакса  
зоғора унни орқалаб изимга қайтишим  
керак. С. Абдулла, Ёшлик йилларим.

◆ [Бировнинг] бошида тегирмон  
тоши юргизмоқ қаттиқ азобламоқ, қий-  
намоқ, жабр-зулм ўтказмоқ. [Бир-  
овнинг] тегирмонига сув қуймоқ ўз иши,  
гапи, ҳаракати билан бировнинг иши-  
ни, ҳаракатини (кўпинча ўзи ёки бош-  
қалар учун оқибати зарарли иш-ҳа-  
ракатни) кучайтирмоқ, авж олди-  
рмоқ; шиханг бермоқ. **Тегирмондан**  
(ёки тегирмонга тушса) бутун чиқади-  
ган к. бутун I.

**ТЕГИРМОНЧИ** Тегирмон эгаси, хў-  
жайини ёки тегирмонда ишлайдиган  
киши. Сафарали бизнинг тегирмон-  
чимиз. Жуда қизиқ ишгит. А. Қаҳҳор,  
Картина.

◆ Чол деб тегирмончини тутмоқ  
ҳазил адашмоқ, янглишмоқ.

**ТЕГИШ** I тегмоқ фл. иш оти. Экспо-  
натларга тегиш ман қилинган. Наф-  
сониятга тегиш. Жигига тегиш. —  
Осонми, киши нима бўлишини билмай-  
ди, бош ёстиққа тегиши бор. А. Қаҳ-  
ҳор, Тўйда аза. Аксарият қизларимиз  
ота-она кимни мувофиқ кўрса, шунга

тегишга мажбурдирлар. А. Қодирий,  
Ўтган кунлар.

2 Расмадда, тақсимотда кимсага  
ажратилган ёки ажратиладиган улуш,  
ҳисса. Матқовулнинг тегиши бўлса  
қарзларини ҳам қоплаётмади. М. Ис-  
монлий, Фаргона т. о. | Наснба, ҳақ.  
Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч ким-  
га қараманг. Балиқни олинг! А. Қаҳ-  
ҳор, Қўшчинор.

**ТЕГИШИ** I Талабга, вазиятга,  
қонун-қоидага ва ш. к.га мос, мувофиқ.  
Тегishi хулоса чиқармоқ. Тегishi  
чораларни кўрмоқ. Тегishi ҳужжат  
кўрсатмоқ. | Керак, зарур. Бу ха-  
барни профессорга билдирдим, ундан  
тегишли консултация олдим. Ойдин,  
Уялди шекилли, ерга қаради. | Қилми-  
шига яраша. [Қосимжон туҳматчи-  
ларни кўрсатиб:] Уртоқлар, олиб  
боринелар буларни, адолат судига  
топишинелар! Тегishi эжасосини кўр-  
син. Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

2 Қарайдиган, қарашли, тобе; икти-  
ёридаги. Қолхозга тегishi ерлар.

— Уларнинг [хотинларининг] чағир-  
чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини  
янғратади. Гулнорга тегishi тўрда-  
ги бир уй, бир айвон эсимжит. Ойбек,  
Қутлуғ қон. | Алоқали, дахлли, ало-  
қаси бор, оид, дахлдор; тааллуқли.  
Маҳаллий ташкилотларга тегishi  
масалалар. Тегishi ташкилотларга  
мурожаат қилмоқ. || Тўй тегishiлини-  
ки, ҳайит барчаники. Мақол. — Мана,  
Баҳодир истаган одамни кўриб қолди.  
У секин ён-верига назар ташлади.  
Йўқ, шубҳасиз бу боқиш унга тегishi  
эди. М. Жалолдидинова, Кейинроқ.

3 Кимсага теккан ёки тегадиган,  
ажратилган. Тегishi суммани олмоқ.  
— Ариза батрақлар союзига ёзилиб,  
бунда Мадамин Худойқулни узоқ йил-  
лар давомида текинга меҳнат қил-  
дириб келётгани айтилган ва Мада-  
миндан совет қонунига мувофиқ те-  
гishi ҳақ талаб қилинган эди. П. Тур-  
сун, Ўқитувчи.

4 Белгили, муайян. Йўлчи изовишга  
отни илдам қўйиб, тегishi жойда  
Нурини кутиб тураркан, .. ҳаёлга  
ботди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЕГИШЛИК** I Боғланиш, алоқа,  
дахлдорлик. Аҳмаджоннинг назарида  
бу ишлар, бу юришлар, тоғ оралиғига  
солинган бу уйлар ҳаммаси ортиқча,  
урушга ҳеч тегишлиги йўқдай қўринар  
эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 с. т. айн. тегishi 2, Ўз тегishiлигини  
олмоқ.

**ТЕГИШЛИЧА** рви Талаб қилинган  
даражада, талабга мувофиқ; етарлича.  
Масалага тегishiлича эътибор бермоқ.

**ТЕГИШМОҚ** I тегмоқ 4, 5, 6 фл.  
бирг. н. Боллар ҳеч нарсага тегиши-  
масин. — Тенгқурлари.. Назаровни  
ҳурмат қилганлари ҳолда .. «Ғози»,  
баъзан «Ғози чиллақир» деб жиғига  
тегишарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳазиллашмоқ, тегажаклик қил-  
моқ, тақашмоқ. У[Сидиқжон] .. бу-  
тун эвенони гуллашиб ашула айтар,

одамларга тегишар, кулар, кулдирар эди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Ҳазил билан гапирмоқ, қочирим, киноя қилмоқ, пичинг отмоқ. — Қачондан бери қизларнинг суҳбатидан қочадиган бўлиб қолдингиз? — кулиб унга тегишди Муҳаррам. Шухрат, Шинелли йиллар. — Володянинг ер қазини кўришига орзуманда эдим, — тегишди Дуся. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. | Аёл кишига гап қотмоқ, шилқимлик қилмоқ.

**ТЕГИШСИЗ** Тегиши, алоқаси бўлмаган, боғланиши, дахли йўқ.

**ТЕГИШҚОҚ** Тегишишни, ҳазиллашишни яхши кўрадиган; тегажак, ҳазилкаш. Маҳмуднинг қизариб, қулмисираганича нари кетганини кўрган бир аёл тегишқоқ дугонасини жеркиб берди. С. Зуннунова, Олов. Обиджон юмалоқ, калта бўйин йигит бўлиб, ёшлиқдан шўх, гапдон ва тегишқоқ ўсган. И. Раҳим, Барно.

**ТЕГЛИ** с. т. Тагли, тубли.

**ТЕГЛИК** с. т. Таглик, остлик.

**ТЕГМОҚ** 1 Бир-бирига ёки бир нарсага бевосита ёнма-ён, учма-уч келиб тақалмоқ, ёпишмоқ, уришмоқ. *Шафтоллар мевасининг кўрлигидан ерга тегиб ётибди. Парда ерга тегиб турибди. Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка этгунча, энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча.* Мақол. — Чол соқолини Элмуроднинг юзига тегар даражада яқин келтириб, янада секинроқ шивирлади. П. Турсун, Уқитувчи. **Боши ёстиққа тегса** касал бўлиб ётиб қолса. *Узингиз якка, битта уйда турсангиз, бошингиз.. ёстиққа тегса.. бир қултум сувга зор бўлиб, «вой» деганингизда: «Қаеринг оғрийди?» деудай киши бўлмасдан ётсангиз.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Елкаси ерга тегмаган** 1) курашда йиқилмаган, доим ғолиб чиққан (полвонлар ҳақида); 2) кўчма доим ютиб келган, энг кучли. *Асакалик машҳур қиморбоз Қулматқора «тўртолчи»ларнинг елкаси ерга тегмаган қузир эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Сийпалаб ўтмоқ, сийпамоқ. *Роҳатланаман танамга тегса Утаанда шамол этакларингдан. Чустий. Лутфинисо.. шамол теккан оловдек ловуллаб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Зарб билан урилмоқ. *Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида юзини карнак гуянинг поясига уриб олди: юзи бутуққа ёмон тегди, кўнгли эоди.* А. Қаххор, Майиз емаган хотин. *Бўксам устига бир оз ханжар учи тегиб ўтган бўлса ҳам, аҳамиятсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Мўлжалга, нишонга ёки умуман бирор нарсага урилмоқ (отилган нарса ҳақида). *Тош бориб ойнага тегди. Отолмаган соқкон ҳам бошга тегар, ҳам кетга.* Мақол.

3 Томиб, сачраб, суркалиб из, доғ қолдирмоқ, юқмоқ. *Палтонингизга бўёқ тегибди.* — *Сенинг соқолингга теккан бир қатра шира менинг фу-*

*қароларимга бир кунлик овқат бўлади.* А. Қаххор, Башорат.

4 Ушламоқ, қўл тегизмоқ, қўл урмоқ, тақилмоқ. *Экспонатларга тегиши мумкин эмас.* | Фойдаланиш учун қўл урмоқ, фойдаланмоқ. *Нусратилла кирмади.* «*Бир тийинингизга текканим йўқ.*» — *деб ичкари ҳовлига ўтиб кетди.* А. Мухтор; Опа-сингиллар. | Оғиз урмоқ, оғизга олмоқ, емоқ. *Овқатга ит тегди.*

5 Гап, сўз билан ёки уриб, сўкиб озор бермоқ, дахл қилмоқ, тақилмоқ. *Гапинг бўлса мен билан гаплаш — болага тегма.* — *Хушимўйлов йигит қулоқкаш қилиб офицернинг калласига солмоқчи эди, Аҳмаджон қўлини тутди: — Тегма! Закон йўқ.* А. Қаххор. Олтин юлдуз. У [Асрора] ёшлигида текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. С. Ахмад, Уфқ. | Отилиб, ташланиб зарар бермоқ; *Ит.. қувди.* Яхшики, .. тегмади, қайтди. А. Қаххор, Миллатчилар.

6 Кўчма Оғир туюлмоқ, айил ботмоқ. *Раиснинг «Катталарча иш қилолмайсан!» деган гапи Ойимбибига қаттиқ тегди.* Н. Сафаров, Дон. *Шахсиятга тегиб бўймайди, кишини қайсар қилиб қўйиши мумкин.* И. Раҳим, Ихлос. *Бу.. бу коммунистга ярашмайди, ўртоқ Раҳмонқулов. Одамларнинг ор-ному-сига тегадиган буйруғини бекор қилмагунингизча, мен иш бошламайман.* А. Мухтор, Туғилчи. **Ҳамиятга тегмоқ** ҳамиятсизликда айблаб, виждонан азобламоқ. *«Иккита анор учун хотинингизни серпул одамга оширани уялинг!» Бу гап Туробжоннинг ҳамиятига тегди.* А. Қаххор, Анор.

7 Бориб ёки келиб етмоқ (мас., юборилган нарса ҳақида), топширилмоқ. *Телеграмма тегди. Хат билан совга ҳалиям теккани йўқ.* — *Газеталар кун чиқмасдан агитаторларнинг қўлига тегсин!* А. Қаххор, Қўшчинор. *Талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Девона бу шартга кўнди, қовоқ туширилиб девонанинг қўлига эсон-омон тегди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Расамада маълум ҳисса, улушга эга бўлмоқ. *Сизга неча пул тегди?* — *Сув чиқади-ю, лекин бойга яраша чиқади.* Бу сувдан бизга туянинг думи ерга етганда тегди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Тўй ўтганда келибсан, тентак.. Манга-чи, бир тоғора ош тегди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Чекига тушмоқ, насиб бўлмоқ. *Шухрат уларга, калтак — менга тегди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

9 Хотинликка, турмушга чиқмоқ. [Бой Жамилаа:] *Эрингдан чиқиб менга тегасан, еганинг олдинда, емаганинг кетинда.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

10 Кор қилиб, тасбир уриб зарар етказмоқ. *Унга ис тегибди. Қасал теккан товуқ.* — У [Шоқирбек] ўзини танимаслик даражасида олдиран, ўлат теккан кишилардек кўзлари

ичига чўкиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қарғиш теккан бебахт хотин эканман, дунёга келиб бир рўшнолик кўрмадим.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. | Асар қилмоқ. *Яхшининг яхшилиги тегар тор ерда, ёмоннинг ёмонлиги тегар ҳар ерда.* Мақол. — *Сидиқжон Анзираат холянинг фақат шу мазмунда бир нима дейишини кутган бўлса ҳам, бу гап қалбига иссиққина тегди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Жиғига тегмоқ** қ. жиғ. 1. **Жинига тегмоқ** қ. жин. **Жонига тегди** қ. жон. **Кўз тегди** қ. кўз. **Кўкрагига шабада** (ёки шамол) тегди қ. шамол. **Кўнглига тегди айн.** чаккага тегмоқ қ. чакка. 1. **Лаби лабига тегмай** (ёки тегмасдан) тўхтовсиз ва тез-тез, бидир-бидир. *Ўзбек ойим эрининг истеҳзосига тушуниб қолди ва лаби-лабига тегмай бобиллай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Меъдага тегди** қ. меъда. 1. **Оёғи ерга тегмай(ди)** тез ҳаракат қилади, тез юради. **Пешанаси деворга тегди** тавбасига таянди, қилмишига пушаймон бўлди. *Пешанам деворга бориб тақ этиб тегди.* *Онам, келинойим, ўртоқларим ҳақ.* Б. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш. **Тегди, тегди** қолди аразлаб, жини кўзиб қолди. — *дан теккан жинни-си, шайдоси.* *Унга шахматдан теккан.* **Теша тегмаган** қ. теша. **Қитиғига тегмоқ** қ. қитиқ. **Қўли-қўлига тегмайди** тез ҳаракат қилади, тез ишлайди. **Қўли тегмайди** бўш вақти йўқ, бошқа ишлар билан банд. **Ғашига тегмоқ** қ. ғаш. 1.

**ТЕГРА** кт. Теварак, атроф. *Кўк-лам либосини кийибди дара, Гуллар очилибди тегранда қийғос.* М. Йкром. *Бол арини кўранда Жовдирарди кўзларим, Учар эди теграмда Бирқанча қуш дўстларим.* З. Дийр.

**ТЕЖАБ-ТЕРГАМОҚ** Аяб, режаси билан сарфламоқ, иқтисод қилмоқ. *Пулни тежаб-тергаб, расамади билан ишлатмоқ.* — *Биз ўзимиздаги санокчи ўқарни энди тежаб-тергаб ота олар эдик.* А. Раҳмат, Брест қаҳрамони.

**ТЕЖАЛМОҚ** тежамоқ фл. мажҳ. н. *Бир миллион сўмлик хомашё тежалди.* *Кўп миқдорда ёқилғи ва металл тежалди.*

**ТЕЖАМ** 1 Эҳтиёт қилиб, аяб, ўз ўрнида ишлатиш, тежаш, иқтисод. *Тежам масаласи ҳаминша зўр амалий аҳамиятга эгадир.*

2 Тежаш туфайли қолган, орттирилган фойда. *Тежам ҳисобига илғорларни муқофотламоқ.*

**ТЕЖАМКОР** Тежаб, тежаб-тергаб ишлатадиган; иқтисодчи. *Тежамкор ишчи. Тежамкор бухгалтер.*

**ТЕЖАМКОРЛИК** 1 тежамкор с. белги оти. *Тежамкорликни ўрганмоқ.*

2 Тежаб, тежаб-тергаб ишлатиш ва шунга асосланган иқтисодий тартиб. *Қурилиш материалларини тежамкорлик билан сарфламоқ.*

**ТЕЖАМЛИ** 1 Тежашга, тежамкорликка имкён берадиган, тежайдиган. *Тежамли машина. Тежамли ишлаб*

чиқариш усули. — Табиий газ фақат тежамли ёқилғичига бўлиб қолмасдан, тенг йўқ химия хомашиси ҳамдир. А. Абдуқодиров, Газ химия хизматида.

2 айн. тежамкор.

**ТЕЖАМЛИЛИК** 1 тежамли с. белги оти. Иш-унумдорлиги ва тежамлилик жиҳатидан замонавий талабларга жавоб берадиган машиналар.

2 айн. тежамкорлик 2.

**ТЕЖАМОҚ** 1 Моддий бойлик, пул, маблағ, вақт ва ш.к.ни режаси билан, аяб, ўз ўрнида сарфламоқ, иқтисод қилмоқ. *Электр энергиясини тежамли. Машиналар киши меҳнатини тежайди.*

— Борни тежаб, йўқни йўндириб, дам оч, дам чала қурсоқ бўлиб яшадик. Ойбек, Қутлуг қон. Малахов қанча аяб, тежаб отмасин, ўқи кутгандан тез тугаб борарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Секунднинг ҳам ўрни бор, Одамга вақт кўп керак. Вақтни сен тежаб ишла, Ленин бобомдек зийрак. Қ. Муҳаммадий. | Режаси билан, аяб сарфлаш туфайли сақлаб қолмоқ, орттирмақ. *Курувчилар бир йилда юз минг сўмлик материални тежадилар.*

2 Қимсани ёки ўзини эҳтиёт қилмоқ, аямоқ, сақламоқ. *Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмади, уни тежаб, тергаб туриши керак.* — *Қутидор қизининг пешанасини ушлади: — Эй, ҳа... Қумуш ҳали иссигинг бор, — деди. — Узингни тежа, қизим, ўрингни қалин қилиб бурканиб ёт, терласанг ёришасан, қизим! А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ТЕЖАМСИЗ** 1 Тежашга имкон бермайдиган, ортиқчаликка йўл қўядиган. *Тежамсиз машина. Тежамсиз технология.*

2 Аямасдан, пала-партиш сарфлайдиган, тежашни билмайдиган. *Тежамсиз аёл.*

**ТЕЖАМСИЗЛИК** 1 тежамсиз с. белги оти.

2 Тежаб-тергамай, тежамкорликка риоя қилмай сарфлаш; исрофгарчилик. *Тежамсизлик билан.*

**ТЕЖАШМОҚ** тежамоқ фл. бирг. н. **ТЕЖОҒЛИ** Тежашга, тежамкорликка асосланган; тежамли. *Тежоғли иш — бежоғли. Мақол. | Ишлари яхши йўлга қўйилган, ҳар нарса ўз жойида, тартибга солинган, саранжом-сарипта. Сирдарё соҳиллари — кўз илғамас асрий дашт. Ардоқли ўлка бугун — жоғли ва тежоғли. Миртемир.*

**ТЕЗ** [ф-т] 1 Орадан кўп вақт ўтмасдан, оз вақт ичида; дарров. *Мажлис тез тугади. Бола ўқиш-ёзишни тез ўрганди. Воқеалар тез ривожланмоқда. Шошмасанг, тез етарсан, шошгандан ўзиб кетарсан. Мақол. □ Борди-ю, кўклам серёмғир келгудек бўлса, ер тез етилмайди, экин кечикиб кетади. Н. Сафаров, Хадича Ахорова. Ҳаво айнилати, укажон. Бунақа ҳавода чўққига чиқиш хавфли. Тогда қоронғи тез тушади. Ҳ. Назир, Сўнмас*

чақмоқлар. *Тез кунда (ёки кун ичида), тез орада, тез фурсатда (ёки фурсат ичида)* орадан кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгандан кейин, қисқа фурсатда, оз муддатда. *Азала тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди. Ойбек, Қутлуг қон. Сорахон тез фурсат ичида унинг кўнелидан Мунисхон ишиқини ювиб чиқарди. А. Қахҳор, Сароб. | Дархол, шу топда, шу он, ҳозирнинг ўзида. Нақ пешин вақтида Ёрмат чой-нон олиб келди, уларни ерга қўймаздан, Йўлчини койди. — Тез чиқинг-е.. куннинг иссиғини сезасизми?! Ойбек, Қутлуг қон. Қудрат тез жавоб айтолмади. Сингисини, шу билан бирга ўзини ҳам юпатиш учун баҳона ахтарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Иш-ҳаракатни дархол, кечиктирмай бажаришга ундашни билдиради. [Тантубойвачча:] Тойни миниб шаҳарга туш, икки шиша коньяк ол. Тез! Ойбек, Қутлуг қон. Тез бўл вақт ўтмасдан, дарров ҳаракат қил, имиллама. Юринг, тез бўлинг. Ҳамро олам бетон бўлиб қолдилар. Туйғун, Зуфизар.*

2 Катта суръат билан, шахдам, жадал. *Тез ишламоқ. Тез юрмоқ. — Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар, «қулқ-қулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. | Шиддат билан, жадалга олиб. Тез нафас олмақ, Беморнинг томири тез урапти. Ёмғир тез ёғяпти. — Ногора чўпининг тез урилиши, баччанинг чир айланиши ва кучли, ялпи қийқириқ билан базминг биринчи қисми тугади. Ойбек, Қутлуг қон. [Қумушинг] ҳарорати кучли, юрак уриши фавқуллода тез эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

3 Тутилмасдан, тўхтамасдан, қийналмасдан, равон. *Тез ўқимоқ. Тез ҳисобламоқ. Тез айтиш мусобақаси.*

4 сфт Дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззак. [Узия] колхозда ҳар бир ишга «бу раиснинг вазифаси, буни партком, агроном қилар», деб ўтирмайди. Буниси-ку яхши, аммо жуда тез, қайсар одам. А. Муҳиддин, Теримчилар. Э... мен бу ишга аралашмас эдим, бу йигитнинг ўзи тезроқ. Н. Сафаров, Уйғониш. **Жаҳли** (ёки **аччиғи, феъли**) тез дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззак. *Шомми калнинг жаҳли жуда тез бўлиб, юрагида кек сақловчи киши эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Домламининг аччиғлари тез, асабий мижоз эканлигини айтиб ўтган эдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Хотининг, бунақа феъли тез экан, [болани] олиб кетмагани ҳам дуруст. А. Қахҳор, Қўшчинор. | Уткир, шиддатли. Тез олов. | Чаққон ишлайдиган, тезкор. Тез уста.*

5 =(а)р аффиксли сифатдошлар билан қўшма сифат ясади, мас. *тезоқар, тезпишар, тезучар.*

◆ **Зехни тез зехни, ақли ўткир, тез фахмлаб** оладиган, фаросатли. *Тез ёрдам оғир беморларга ошиғич ёрдам кўрсатиш хизмати. Тез ёрдам машинаси. Тез ёрдам чақирмоқ.*

**ТЕЗАК** [ф-т] 1 Хайвон ёки қуш ахлати; гўнг. *Мол тезаги. — Йиешлар қўйларнинг сийдик ва тезакларига булганиб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар. Айнйи, Қуллар. — Оқ қушларнинг тезаги оппоқ бўлар экан, — деди Шум бола. Ҳ. Ғулом, Шум бола.*

2 Қуриган ёки ёқиш учун махсус қуритилган гўнг (асосан, мол гўнги). *Ҳайдар.. ўчоқ ичига қўйилган ўтки очиб, устига бир дона тезак қўйиб, пуфлаб бир оз яшилатди. Айнйи, Қуллар. Учоқда тезак милтиллаб ёнар қора човғум биқир-биқир қайнарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

◆ **Тенг тенги билан, тезак қопи билан** ҳар ким мавқеи, обрўйи жиҳатидан ўзига тенг, мос, мувофиқ киши билан бўлиши лозим, деган маънодаги мақол. *Тенг тенги билан, тезак қопи билан! Бозоров бир қоп тезак! Адолатнинг тенги Нормат. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ТЕЗАҚЛАМОҚ** Табиий ҳожат чиқармоқ, ёзилмоқ (хайвон ва қушлар ҳақида). *От тезақлади.*

**ТЕЗАҚХОНА** [ф-т] Тезак сақланадиган ёпик жой, саройхона. — *Офарин! — эшон ясама кудди. — Тинчгина бол чайнат юрган одам, тезақхонада истиқомат қилибсиз. И. Раҳим, Тақдир.*

**ТЕЗГИЗАК** [ф-т] Ёғоч канаси.

**ТЕЗГИР** [ф-т] Овни тез оладиган, олғир. *Тезгир бургут. Тезгир този.*

**ТЕЗДА(Н)** рви Орадан кўп вақт ўтмасдан, қисқа муддат ичида, оз фурсатда; дарров. *Қишининг биринчи ярми қуруқ келди. Икки мартагина қор ёғиб, тезда эриб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кеча клубга борган хотиннинг Адолатга кўзи тушиши билан ранги ўзгариб кетди. Лекин, тезда ўзини ўнглаб олди. С. Зуннунова, Гулхан. Бектемир тездан ўзини настликка ташлади, юзура-юзура ўрмонга кирди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ТЕЗИКМОҚ** диал. Тез юрмоқ; тезликни оширмақ; тезлашмоқ. *Зулфизар отига ғазаб қамчисини урди, гоёибнинг қушидай тезикиб кетди. «Зулфизар билан Авазхон».*

**ТЕЗИС** [р<грек] 1 Илмий асар, мақола, доклад ва ш.к.даги асосий ғояларнинг қисқа ва лўнда ифодаси. *Доклад тезиси. Лекция тезиси. Лениннинг апрель тезислари.*

2 лог. Ҳақиқат эканлиги исботланиши лозим бўлган ҳужум, мулоҳаза, фикр.

**ТЕЗКОР** [ф-т] Тез ишлайдиган, ишни тез, чаққон бажарадиган. *Тезкор уста. || Турсун Маматкулова, Ниёзул Келдиева сингари тезкорлар ҳам кунда 70—90 килограмдан «оқ олтин» те-*



ришяпти. А. Ҳалилов, Карвонбошилар. | Иши серунум, сермахсул. Бу машина [пахта териш машинаси] аввалги «Турман вакуум»дан анча яхши, қулай, тезкор бўлиши керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЕЗКОРЛИК I** тезкор с. белги оти. Унинг тезкорлиги ҳаммани ҳайратда қолдирди.

2 Тез ишлаш, ишни тез бажариш; ишда жадаллик. Ғалла ўрим-йўғими тезкорликни талаб қилади. — Урта Осиднинг талай қисмини эғаллаб ётган тоғлар бағридаги бойликлар йил сайин тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда. А. Раззоқов, Муҳокама мавзуи.

**ТЕЗЛАМА:** тезлама қилмоқ кам қўл. айн. тезламоқ II.

**ТЕЗЛАМОҚ I I** Тез юрмоқ, югурмоқ, юриш, югуриш тезлигини оширмоқ, тезлаштирмоқ. *Поезд тезлаб кетди.* — *Қомилжон тезлаб келиб, Ҳалиловага қўл узатди: — Келинг, Ҳалилов ака. И. Раҳим, Ихлос. Одимини (ёки қадамини) тезламоқ* тез қадам ташламоқ, қадамни тезлаштирмоқ. *Тушликни ҳам унутиб, Кетдилар одим тезлаб. Кечга қадар юрдилар, Турли сўқмоқ йўл излаб. Ғайратий.* 2 Тез юришга ундамоқ, қистамоқ. *Куч борича отим тезлаб кўраман. «Муродхон».*

3 Хужум қилишга, уришишга ундамоқ, хезламоқ, гижгизламоқ. *Хўрозларни бир-бирига тезламоқ. Бедани тезламоқ.*

4 Чархлаб, қайраб ўткир қилмоқ. *Кетмонни тезламоқ. Уроқни тезламоқ. | кўчма Қайрамоқ. Майдон кўрса кийикдай бўб хезлайди, Душманга тишини доим тезлайди. «Равшан».*

5 с. т. Олов тезлик қилиб, оқиб, кўчиб тушмоқ (тандирда ёпилган нон, сомса ҳақида).

**ТЕЗЛАМОҚ II** Бивонинг ишдан чиққан деворини, томни бузмасдан кўтариб қўйиб, ремонт қилмоқ, янгилламоқ. — *Уйнинг орқасини тезласаммикин, — дея кўнғелидан ўтказди Бўтабой, — шошмасдан яхшилаб тезласам. Уйнинг ичини қумсувоқ қилсам. С. Аҳмад, Хукм.*

**ТЕЗЛАНМОҚ I I** тезламоқ I I фл. ўзл. ва мажх. н. Одимлар тезланди. *Иш суръати тезланди.*

2 диал. Хезланмоқ. *Ҳасан мард бунни кўриб, кўзи ёшга тўлиб, жазавалари кўзғалиб.. тезлана берди. «Равшан».*

**ТЕЗЛАНМОҚ II** тезламоқ II фл. мажх. н. Уйнинг орқа девори тезланди.

**ТЕЗЛАНТИРМОҚ** тезланмоқ I I фл. орт. н.

**ТЕЗЛАТИЛМОҚ I** тезлатмоқ I фл. мажх. н. Колхозча минерал ўғит ташиш тезлатилди. *Қурилиш суръати тезлатилди.*

**ТЕЗЛАТИЛМОҚ II** тезлатмоқ II фл. мажх. н. Уйнинг бир томони тезлатилди.

**ТЕЗЛАТКИЧ I** мажх. Бирор иш-

-ҳаракат ёки жараёни тезлатиш учун хизмат қиладиган асбоб, қуралма ва ш. к. *Ядро заррачалари тезлаткичи.*

2 Бирор жараёни тезлаштирадиган, ривожлантирадиган омил, востанга, куч. *Совет халқларининг бирлиги, қардошларча ҳамкорлиги.. социалистик тараққиётимизнинг қудратли тезлаткичидир. Ш. Рашидов, Ягона, аҳил онла.*

**ТЕЗЛАТМОҚ I I** тезламоқ I I, 4 фл. орт. н. *Поездни тезлатмоқ. Юрак уришини тезлатмоқ. Кетмонни тезлатмоқ.*

2 Иш-ҳаракат, тадбир ва ш. к. ни муддатидан олдин амалга оширмоқ, тезроқ бажармоқ, жадаллаштирмоқ, тезлаштирмоқ. *Ишни тезлатмоқ. Тўйни тезлатмоқ. Меҳмонлар кетамиз дейишяпти, ошни тезлатинг. — [Мирбадал:] Ха, [сабзини] тезлата қолинглар, азаматлар. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | Тезлигини, суръатини оширмоқ. Ядро нурлангани полимерланиш процессини 5—10 марта тезлатади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10. [Ёрмат:] Дунё ўзи шундай яратилган. Йўлчи, чирогим, сувни тезлатинг! Ойбек, Қутлуғ қон. Шербекнинг ёловувчи овозини эшитганда Нигоранинг кўзлари бирдан ёшга тўлди, лекин у тўхташ ўрнига қадамини баттар тезлатди. С. Анорбоев, Оқсой.*

3 айн. **тезламоқ I 3.** Хўрозларни бир-бирига тезлатмоқ.

**ТЕЗЛАТМОҚ II** тезламоқ II фл. орт. н.

**ТЕЗЛАШМОҚ I I** тезламоқ I I—4 фл. бирг. н. *Чавандозлар отларини тезлашиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Йигитлар болаларни тезлашиб курашга туширишди.*

2 Суръати, тезлиги ошмоқ, жадаллашмоқ; кучаймоқ, авжга минмоқ. *Поезд тезлашди. — Шабада ҳам тезлашиб, болаларнинг сочалари ва галстуклари билан тинмай ўйнашмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Қизғин тус олмақ, қизғинлашмоқ. Ишлар тезлашиб кетди. Янги усулга ўтилгач, уй қуриш икки ҳисса тезлашди. | Муддатидан олдин амалга ошмоқ, тезроқ бўлмақ. Уйлаб қараганда, унинг эндиги тақдири, кўп жиҳатдан, мана шу сафарига ҳам боғлиқ; ҳатто тўйини тезлашувчи ҳам, тўйдан кейинги саёхат ҳам шунга боғлиқ. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ТЕЗЛАШМОҚ II** тезламоқ II фл. бирг. н. *Усталар уйни бир кунда тезлашди.*

**ТЕЗЛАШТИРМОҚ** тезлашмоқ I 2 фл. орт. н. *Ҳосил этилишини тезлаштирмоқ. Ишни тезлаштирмоқ. Тўйни тезлаштирмоқ. — Минбоши сунага яқинлашганда қадамни майдалаштириб, тезлаштириб, бутун гавдаси билан букилиб олдинга югурди. М. Исмоний, Фаргона т. о.*

**ТЕЗЛИК I** тез 4 с. белги оти. *Тезлик қилмоқ. — [Жайноқ:] Нима учун қамади? [Содиқ:] Феълим шайтон, тез-*

лик қилиб, эликбошига калла солиб қўйдим. Н. Сафаров, Уйғонш.

2 Иш-ҳаракат, процесс ва ш. к. нинг жадаллиги, суръати, даражаси. *Иш тезлиги. Ҳисоблаш тезлиги. — Бу фикр Эргашевнинг ҳаёлидан чақмоқ тезлигида ўтди. Н. Сафаров, Водиллик қахрамон. Тезлик билан 1) имкон борича қисқа вақт ичида, тез суръат билан, жадал. Ҳосилни тезлик билан йиғиб-териш олмақ; 2) дарҳол, ошиғич равишда, кечиктирмай. Тезлик билан етиб кел.*

3 физ., тех. Жисм босиб ўтган масофанинг шу масофани босиб ўтиш учун кетган вақтга нисбати. *Юриш тезлиги. Югуриш тезлиги. Тovuш тезлиги. Уртача тезлик. Тезлик бирлиги. Тезликни ҳисобламоқ. Трактор баландликка биринчи тезликда чиқди.*

**ТЕЗЛИКДА** рви Тезлик билан, тезда, тез. *Тезликда етиб келиб Сен ҳам даврамиза кир. Кўм-кўк арча тагида Сақраб-сақраб ўйнаб бер. И. Муслим.*

**ТЕЗОБ [ф-т]** I кам қўлл. Тез оқадиган, тезоқар. *Избоскан қишлоғининг этагидан.. тезоб дарё оқади. Й. Шамшаров, Олтин куз. Қалбни ишлар ишқин куйлаб доимо, Мисралар ирмоқдай тезоб, шўх, тоза. М. Бобоев.*

2 мажх. Турли технологик процессларда тозалаш, оқлаш, ошлаш ва ш. к. мақсадда ишлатиладиган моддаларнинг умумий номи. *Терини тезобга солмоқ. Металлни тезобда тозаламоқ.*

**ТЕЗОБЛАМОҚ** мажх. Тезобда ишлов бермоқ. *Терини тезобламоқ. Металлни тезобламоқ.*

**ТЕЗОБЛИК** тезоб I с. белги оти. *Дарёнинг тезоблиги.*

**ТЕЗОТАР I** Бирин-кетин жуда тез ўқ отадиган. *Тезотар милтиқ. Тезотар зенит тўпи.*

2 Тез сайрайдиган, сайроқи (бедана ҳақида). *[Қомил бедананинг сайрашини эшитиб тўхтади:] Оҳ, оҳ, оҳ! Бай-бай-бай! Зап тезотар бўпти-да. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.*

**ТЕЗОҚАР** Тез оқадиган. *Тезоқар дарё, пулемётлардан ёмғирдек қуйиладган ўқ, .. снарядларнинг даҳшатли чинқириғи хужумни тезлатгани қўймас эди. А. Раҳмат, Азиз тупроқда унган дўстлик.*

**ТЕЗПАЗАК [ф-т]** диал. Тезпишар. *Тезпазак ўрик.*

**ТЕЗПИШАР** Тез пишадиган, эрта етиладиган; чиллаки. *Тезпишар пахта навлари. Тезпишар ўрик. Тезпишар қовун. — Анов пол тўтзор кўрама — Раёно қаламчалари. Бу поли — Салимжоннинг Тезпишар олчалари. Қ. Муҳаммадий.*

**ТЕЗ-ТЕЗ [ф-т]** рви I Тезлик билан, жадал, илдам. *Тез-тез юрмоқ. Тез-тез ишламоқ. — Шоир дафтарчасини тиззасига қўйиб, тез-тез ёзар эди. А. Қаҳҳор, Картина. Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишди. Қ. Раҳимов, Уз касбни севган йигит. |*



Шошиб-пишиб, шошылаб. [Мадамин] худди бировдан қизгангандек тез-тез ошар ва чайнамасдан ютар эди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Кўп вақт оралатмай, бот-бот, ўқтин-ўқтин. Бемор тез-тез сув сўрар эди. — Гулнор бу ой ичида тез-тез оғриб турди. Ойбек, Қутлуг қон. — Энди сиз шу ерда қолинг, — деди онасига Нормат, дарвозадан чиқаркан, — уринманг. Тез-тез хат ёзиб тураман. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ТЕЗУЧАР** Тез учадиган, учиб тезлиги катта. Тезуچار самолёт. Тезуچار қуш.

**ТЕК** рвш 1 Ҳаракатсиз, қимирламасдан ва овоз чиқармасдан, жим. Тек тур. Тек ўтир. — Ҳамма бир лаҳза тек қолиб, бирдан қаттиқ кулги кўтарилди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Унда лайлак бир оёқлаб туриб, яшилланиб келаётган адирларга кўз ташлаб, тек қотган. С. Аҳмад, Хукм. | унд. с. вазифасида Қимирлама, жим. — Тек, ўртоқлар, — деди раис ва давом этди, — ўзингиз экасиэми? А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ҳеч иш, ҳаракат қилмасдан, бекор. Тек турмаган, тўқ турар. Мақол. — Унинг [Ҳайдарбойнинг] қўллари тек турмайди: дам узун оташкурак билан тўнжанинг ўт олган жойларини қоқиб, яна ҳам кўпроқ биқситади. П. Турсун, Ҳқитувчи. Ҳамма ҳаракатда-ю, ёлғиз мен тек ётибман. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. Мана, ўртоқлар, душман тек ётмайди. Раҳим понсад 4-отрядга шу кечаси ҳужум бошлаш планини тузибди. 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ТЕКИН** Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса талаб қилинмайдиган; пулсиз, бепул. Текин оқват. Текин меҳнат. — Узоқ сафарга пул керак. Текин қимиз, эт қайда. Ойбек, Қутлуг қон. || Мана энди Совет ҳукумати ўқшини осон ва текин қилиб қўйди. П. Турсун, Ҳқитувчи. | Меҳнати эвазига пул, ҳақ талаб қилмайдиган. Текин хизматкор. || Тек тургунча, текин ишла. Мақол. | Меҳнатсиз топилган, бемехнат. Текин пул. Чизирткалар экан ер, экмай-тикмай текин ер. Мақол. || — Сен ҳали шунақа ёмонмисан-а? Уй-бўй! — деди завхоз. Шунчалик текин об-чиби, ўқиб юреанинга шукур қилиш керак. П. Турсун, Ҳқитувчи.

◆ Сув текин жуда арзон, арзон-гаров. Хотинларнинг меҳнати айниқса қадрсиз, сув текин бўлишини ўшанда билдим. Ойбек, Қутлуг қон. **Текин томоқ** қ. томоқ 3.

**ТЕКИНГА** рвш Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса олмасдан ёки бермасдан; пулсиз, бепул. Текинга ишлатмоқ. Текинга олмоқ. — Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб текинга ўқитса-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЕКИНЛИК** текин с. мавҳ. от. Сак-

киз йиллик таълимнинг текинлиги. . . илм олиш ҳуқуқини таъминлайди.

**ТЕКИНТОМОҚ** (тўғриси текин томоқ) қ. томоқ 3.

**ТЕКИНХҲҲҲ** 1 Меҳнат қилмасдан бошқалар ҳисобига кун кўрувчи; ҳаромхўр; паразит. Текинхўр бойлар бошига Ёғдирдинг сен лаънат тошини. Ҳ. Пўлат. — Раҳмат, раҳмат, — дейди текинхўр мингобоши «хўрматидан хурсанд бўлиб. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. || Меҳнат қилган торта берди кулфатни, Текинхўрлар сура берди ишратни. Фозил шоир. Ернинг асл фарзанди — меҳнаткаш. Текинхўрлар, сояпарварлар бизга арқоқ-ўриш бўла олмайди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 биол. Бошқа организмларга ёпишиб, уни сўриш билан яшовчи майда жонивор ёки ўсимлик; паразит. Текинхўр зарпечак. — Энди чимқирқар машина соламан бу текинхўр газандага. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЕКИНХҲҲҲҲҲ** текинхўр с. мавҳ. от. Капиталистлар синфининг текинхўрлиги. Текинхўрлик билан кун кечирмоқ.

**ТЕКИС** 1 Юзида ғадир-будир, баланд-паст, ўнқир-чўнқир жойлари бўлмаган, силлиқ. Текис тахта. Текис майдон. Текис девор. — Кеча қоронги ва туманли эди. Кенг, текис кўчага узоқдан чироқлар туман ичида хира, совуқ нур сепади. Ойбек, Қутлуг қон. Қесилан тупроқни саҳннинг ўнқир-чўнқир ва бўғоз-қисир жойларига тарқатиб, текис бир саҳн ҳосил қилади. А. Қодрий, Обид кетмон. | Бир баланд, бири паст эмас; баравар, бирдай. Ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида текис саф тортиб туради. Ойбек, Қутлуг қон. || Узун-узун ғўзи қаторлари худди илга тизиб қўйгандек текис. Ҳ. Назир, Механизатор Тўлаган Тошев. | Бўйи-баста баравар, тенг. Кўб блузка кийган икки қиз Баширатларнинг олдига келди. Улар бир-бирларига жуда ўхшар, бўйлари ҳам текис, жуда чиройли қизлар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бир маромдаги, бир хил тезликда рўй берадиган. Текис ҳаракат. Текис одим. — Ғилдиракларнинг тарақлаши қизил вағонда жуда янқол эшитилар ва поездинг бир текис тебраниши билан бирга музика[тактид]дай ашулага ёрдам беради. П. Қодиров, Уч илди. || Саодатхон . . . секин, фақат Дусягина эшитадиган қилиб сўзлади, уларнинг юраги текис урар эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. || Тўпанисо бир текисда нафас олиб, маст уйқўда ётар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 рвш Бараварига, ёппасига бир вақтда; шифа, қийғос. Уруғларни текис ундириб олмақ. Гилослар бир текис суллади. Ўғзалар бир текисда униб чиқди. — Ҳар сафар текис чиқиб, яшнаб ўсётган ям-шил ғўзаларни кўрганымда . . . пахтазордан чиққим

келмас эди. О. Ёқубов, Икки мухаббат.

4 Ҳар жиҳатдан тенг, баравар, бир ҳуқуқдаги. || У[Мамаसाид] бир гал машғулот вақтида: — Колхоздан мақсад ҳаммани бир текис қилшимиз? — деб сўради. П. Турсун, Ҳқитувчи. Сув худодимнинг мулкими? Халозийқ текис ичади. Ойбек, Қутлуг қон. Мени сайланг, негаким, Энди қадрдон бўлман. Бир текис ҳаммангизга Хизмати бажон қиламан. Ҳамза.

5 кўчма с. т. Беишқал, силлиқ. Иши жуда текис. || Ҳамма иш текис бўлиб кетди. | Бир хил қилиб, Муса кўса бир ерда турмас, чигитларни бир текисда экиш кераклигини, чигит тўрт энликдан чуқур бўлмаслигини ҳа деб тайинларди. С. Аҳмад, Хукм.

6 с. т. Қелишган, чиройли. Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди. У рангсиз, хипча, «текисгина», яна тўғрироғи «топуқдай» бола. Ойбек, Қутлуг қон.

7 с. т. Силлиқ, равон (нутқ, услуб ҳақида). Текис нутқ. — Узилиб қолдик, ўртоқ генерал, — деди Бектемир, текисроқ, дадилроқ сўзлашга тиришиб. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТЕКИСЛАГИЧ** Нарсаларнинг юзини текислаш, силлиқлаш учун хизмат қиладиган асбоб ёки машина. Ер текислагич. — Доирани текислагич ёрдами билан горизонтал ҳолатга келтириш мумкин. «Астрономия».

**ТЕКИСЛАМОҚ** 1 Баланд-паст, ғадир-будурларини йўқотиб, текис, силлиқ қилмоқ. Ерни текисламоқ. Кўчани текисламоқ. Тахтани текисламоқ. — Нодира бошлиқ бир тўда ўқувчилар спорт майдончасини текисладилар. С. Зуннунова, Янги директор. | Зарб билан уриб ёки босиб силлиқ, ясен қилмоқ, тўғриламоқ. [Чол] териза сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди. Ойбек, Қутлуг қон. | Гижимни ёзиб тўғриламоқ, тартибга солмоқ. Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдига борди. И. Раҳим, Чин мухаббат. Анна Ивановна чалишдан аввал етаранинг қулоғи тепасидаги шоҳи лентадан боғланган бантикни текислади. Шухрат, Шинелли йиллар. | Четини, арайшини олиб текис, баравар қилмоқ. Сочи қирқиб текисламоқ. Гулларни текислаб қирқмоқ.

2 Бир чизиқ бўйлаб текис жойлаштирмоқ. Сафларни текисламоқ. — Рота командири жангчиларга кийимларини тузатишини, қуролларни яна қайта текислаб тартибга солиб қўйишини буурди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 сиф. Мавқеи, ҳуқуқи жиҳатидан тенг, баравар қилмоқ, бараварламоқ.

4 с. т. Ишқалларни йўқотиб силлиқламоқ, тўғриламоқ. Ҳамма иш текислаб юборилди.

5 кўчма с. т. Бартараф қилмоқ, тинчитмоқ; гум қилмоқ. Бу бир ярим

ой муддат ичида бир эмас, бир неча Муҳаммадражабни текисламоқ имкони бор. А. Қаххор, Сароб.

**ТЕКИСЛАНМОҚ** текисламоқ *фл. мажх. н.* Ер машиналар билан текисланди. Қўча текисланди. Сафлар текисланди. Ишининг бу ёғи текисланди. — Тахтанинг бир учини қозикқа, иккинчи учини унгур томонга қаратиб, шайтон билан текисланди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЕКИСЛАТМОҚ** текисламоқ *фл. орт. н.* Сочни текисламоқ. — У [Мутал] қишлоқ ўртасидаги тепаликни текислаштиб, кўчат ўтқазшига киришмоқчи эди. О. Ёқубов, Ларза.

**ТЕКИСЛАШМОҚ** текисламоқ *фл. бирг. н.*

**ТЕКИСЛИК** 1 текис *с.* белги *оти.* Ернинг текислиги. Тахтанинг текислиги.

2 Баланд-пасти бўлмаган текис ер, текис майдон. Рўпарадаги текисликда район дарахлари қорайиб кўринар.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *физ., мат.* Текис юза. Проекцияловчи текислик. Қия текисликдан жисмнинг тушиши.

4 *геогр.* Катта баландликлар, тоғлар бўлмаган, нисбий текис бўлган ер сатҳи. Қуруқлик юзасининг текис ёки андак паст-баланд бўлган катта майдонлари текисликлар деб аталади. «География».

5 *сиёс.* Ҳар жиҳатдан тенглик, тенг ҳуқуқлилик. Иқтисодий текислик.

**ТЕКИССИЗ** Текисмас, нотекис. Текиссиз тараққийт.

**ТЕКИССИЗЛИК** текиссиз *с.* белги *оти.* Ривожланишининг текиссизлиги.

**ТЕКИСЧИ** *сиёс.* Текисчилик тарафдори.

**ТЕКИСЧИЛИК** 1 Бажарилган ишнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олмасдан ҳаммага баб-баравар ҳақ тўлаш. Текисчиликка қарши кураш.

2 *сиёс.* Қишиларни, қайси синфга мансублигидан қатъий назар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тенг имкониятли, тенг ҳуқуқли қилишга уриниш. Деҳқонлар текисчилик учун эмас, балки помещикларнинг ерларини ўз қўлларига олиш учун курашдилар. В. И. Ленин, Китобга рецензия.

**ТЕККИЗЛМОҚ** теккизмоқ *фл. мажх. н.*

**ТЕККИЗМОҚ** *с. т.* Тегизмоқ, тегдирмоқ. Қўл теккизмоқ. Тил теккизмоқ. — Хуморхон киради. Яна ухлаб қолган Марасулнинг бурнига чўп теккизиб уйғотади. А. Қаххор, Оғриқ тшлар.

**ТЕКСТ** [р<лат] 1 Ёзилган, кўчирилган ёки босилган ижодий, илмий асар, нутқ, ҳужжат ва ш. к. ёки уларнинг бир парчаси; матн. Ленин асарлари тексти. Мақоланинг тексти. Телеграмманинг тексти. Характеристиканинг тексти. — Жумлалари турар текис, зумда варақ чиқар эгиз. Газета, журнал, китоб Текстлари ўқишга боп. Қ. Муҳаммадий.

2 Музыка асарига, мас. бирор куйга, опера, романс ва шу кабиларга асос бўлган шеър, сўз.

3 *полигр.* Йирик шрифтлардан биринчи номи.

**ТЕКСТИЛЬ** [р<мат] 1 Тўқимачилик саноати маҳсулот; газмол.

2 *с. т.* Тўқимачилик комбинати. У текстилда ишлайди.

**ТЕКСТИЛЬКОМБИНАТ**, текстиль комбинати Тўқимачилик комбинати.

**ТЕКСТОЎЛОГ** [р] Текстология мутахассиси, матншуосли. Ўзбек текстологлари. || Текстолог олим.

**ТЕКСТОЛОГИК** [р текстологический] Текстологияга, матншуосликка оид. Текстолог тадқиқот.

**ТЕКСТОЛОГИЯ** [р<лат+грек] Филологиянинг ёзма ёдгорлик, бадий, тарихий асар, ҳужжат ва ш. к. ни ўрганиш, уларнинг асл текстини тиклаш ёки оригиналга энг яқин текстини тайёрлаш билан шуғулланувчи бўлими; матншуослик. Республика-мизда текстология фани равнақини унинг асосчиларидан бири Порсо Шамсиевсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

С. Ғаниева, Алломанинг табаррук ёши.

**ТЕКТОНИК** [р тектонический] 1 Ер қобиғи ҳаракати ва унинг ўзгаришларига оид; шулар натижасида содир бўлган. Тектоник процесслар.

— Япония ва Американинг ғарб қирғоқларида содир бўладиган зилзилаларда ҳам тектоник, ҳам вулканик кучлар бараварига иштирок қилади.

Т. Ҳамрабобов, Зилзила ҳақида мулоҳазалар.

2 Ернинг тузилиши ва ўзгаришига оид. Тектоник карта.

**ТЕКТОНИКА** [р<грек] геол. Геологиянинг ер қобиғининг ҳаракати ва ўзгаришларини ҳамда ундаги процессларни ўрганивчи соҳаси. Геологларнинг махсус группаси.. ишида тектоника, геофизика, гидрогеология соҳасида.. иш олиб бораётган энг таниқли мутахассислар қатнашдилар. Ҳ. Тўлаганов, Тошкент зилзиласининг табиати ўрганилмоқда.

**ТЕКТУРМАС** 1 Бекор тура олмай-диган, бекорчиликни ёқтирмайдиган, тиниб-тинчимас, серҳаракат. Тектурмас чол.

2 Шўх, тўполончи (кўпинча болалар ҳақида). Тектурмас бола.

**ТЕКШИРИЛМОҚ** текширмоқ *фл. мажх. н.* Иш батафсил текширилди. Қарорларнинг ижроси кўп марта текширилди. Фанда текширилмаган соҳалар. — Бу бир марта текширилган эди-ку, яна текширилсинми? — деди Бўтабой. — Яна текширилсин! — деди чўтир хотин. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТЕКШИРИШ** 1 текширмоқ *фл. иш оти.* Қарорнинг бажарилишини текшириш. Бухгалтерия фаолиятини текшириш.

2 Ўрганиш, тадқиқот. Геологик текшириш. Илмий-текшириш институти.

3 Тафтиш, ревизия. Агар текшириш натижасида Ҳасанжон бу ишга илми-ган бўлиб чиқса, у ҳам нобуд бўлади, .. жазосини тортади. Айний, Қуллар.

**ТЕКШИРИШМОҚ** текширмоқ *фл. бирг. н.* Улар ферма хўжалигини росс бир ҳафта текширишди.

**ТЕКШИРМОҚ** 1 Қараб чиқиб, кўздан кечириб, синаб талабга ёки ҳақиқатга мослигини, дурустлигини аниқламоқ. Ҳужжатларни текширмоқ. Уй вазифасини текширмоқ. Мотorni текширмоқ. Депутатларнинг ваколатини текширмоқ. — [Ходаларнинг] атрофига тош суятиб, маҳкамлатди. Яна текшириб кўрди — тўғри ўйилган, уч хода бир чиқиқда эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Илмий асосда ўрганмоқ, анализ, таҳлил, тадқиқ қилмоқ. Беморни текширмоқ. Гулнинг тузилишини текширмоқ. Қоннинг таркибини текширмоқ. | Сўраб, суриштириб билмоқ, аниқламоқ. Қиз, ҳуда, уй, жой, насл ва насаб текшириб юрвчи Ўзбек олимнинг.. [Отбекнинг] бу уйланишига нима дейиши ва қандай қарашини, албатта, маълум эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Назорат учун кўздан кечирмоқ, тафтиш, ревизия қилмоқ. Қарорнинг ижросини текширмоқ. Қассани текширмоқ. Ферма хўжалигини текширмоқ. — Тўхта, қаерга борасан?.. сен комиссия аъзосисан-ку. Текширишни битказганимиздан кейин актага қўл қўйиб, сўнгра ўз ишинга борасан. Айний, Қуллар.

4 Ҳар томонлама кўриб чиқиб, ўрганиб, муҳокама қилиб, ҳақиқатни очмоқ, аниқламоқ; тергамоқ. Жиноятни текширмоқ. Шикоятни текширмоқ. — Буну, албатта, кўрамит, текширамит, татига етамиз, ўзимизнинг кучимиз етмаса Иван Петровичга арз қиламит. А. Қаххор, Қўшчинор. Туркистон Марказий Ижрокўми бу ерга сизнинг устингиздан тушган аризани текшириб, асар лозим бўлса, чора кўриб кетишга юборди. Х. Ғуллом, Машъал.

**ТЕКШИР-ТЕКШИР** *с. т.* Устма-уст, қайта-қайта текширишлар. Текшир-текшир қилмоқ.

**ТЕКШИРТИРМОҚ** текширмоқ *фл. орт. н.* Қонни текширтирмоқ. Лотерея билетларини текширтирмоқ.

**ТЕКШИРУВЧИ** 1 текширмоқ *фл. иш оти.* Билет текширувчи. Қонни текширувчи. || Газ установқасини текширувчи мутахассис. — Элмурод Ойимхоннинг маънодор, текширувчи саволларидан завқланиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с. т. айн. ревизор.*

**ТЕЛБА** 1 Ақлдан озган, девона, жинни. У батлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Мансур:] Бир ўлимнинг азоби мени телба қилаёди. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Саидий ҳатто

ўзини телба, опаси қошида гуноҳкор ҳисоблади. А. Қаҳҳор, Сароб. | Бирор нарсага, кимсага ортиқ даражада берилган; савдойи, шайдойи. Фақир ҳам шу фикрнинг телба бандасидир. Ойбек, Навоий. Уй бекаси телба бир товуши билан қичқириб, хона ичида ури-нарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Телба кўзлари билан Бектемирга боқди-да, уқасининг қонли милтигини чангаллади ва шамолдай учиб, Бектемирдан ҳам ўзиб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Зийдилла афандининг ишқ телбаси эканлигига ЧЕКАни ҳам, судни ҳам, улусни ҳам ишонтирмоқ керак. Ҳ. Ғулوم, Машъал. | Телва-тесқари; беўхшов. {Го-фиржон} Розия ҳоланинг телба-тесқари гапларини кўнелига олган бўлса, эҳтимол. Н. Назаров, Замон.

**ТЕЛВА-ТЕСҚАРИ** с. т. Телба-тесқари.

**ТЕЛЕБОШҚАРИШ** айн. телебошқарув.

**ТЕЛЕБОШҚАРУВ** Узоқдан туриб бошқариш, масофадан бошқариш. Республикадаги ҳамма гидроэлектростанциялар автоматлаштирилган, телебошқарув жорий қилинган.

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ** [р] Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини электр ва радио алоқа қурилмалари ёрдамида узоққа узатиш ва узоқдан кўриш ва унинг воситалари. Марказий телевидение. Тошкент телевидениеси. Телевидение техникаси. Телевидение орқали кўрсатиш ва эшиттириши.

**ТЕЛЕВИЗИОН** Телевидениега оид. Телевизион марка. Телевизион эшиттириши.

**ТЕЛЕВИЗОР** [р <грек+лат] Телевидение орқали узатишган сигналларни тасвир ва овоз тарзида қабул қилиб кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат. «Рубин» маркали телевизор. Телевизорни ўрнатмоқ. Телевизорда концерт кўрмоқ. — Уй тўридаги столда турган телевизор унинг [Холмирзанинг] диққатини кўпроқ тортди. Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

**ТЕЛЕВИЗОРЧИ** с. т. Телевидение бўйича мутахассис; телевизор тuzатувчи уста. Утган кун телевизорчилар келиб, уни [Кувондиқни] сурагга олишган, ҳийла овра қилишган эди. С. Абдулла, Қувондиқ.

**ТЕЛЁГА** [р] Тўрт филдиракли арава. Телёгада ёнғи ташитган Дилишод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЕЛЕГРАММА** [р <грек] Телеграф орқали юборилган ёки олинган хабар ва шундай хабар ёзилган қоғоз. Қутлов телеграммаси. Телеграмма юбормоқ. Телеграмма олмақ. — Грейдернинг ёрдами куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЕЛЕГРАФ** [р <грек] 1 Узоқ масофаларга телеграмма, радиотелеграмма равишида ошиғич хабар узатиш

ўзини телба, опаси қошида гуноҳкор ҳисоблади. А. Қаҳҳор, Сароб. | Бирор нарсага, кимсага ортиқ даражада берилган; савдойи, шайдойи. Фақир ҳам шу фикрнинг телба бандасидир. Ойбек, Навоий. Уй бекаси телба бир товуши билан қичқириб, хона ичида ури-нарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Телба кўзлари билан Бектемирга боқди-да, уқасининг қонли милтигини чангаллади ва шамолдай учиб, Бектемирдан ҳам ўзиб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Зийдилла афандининг ишқ телбаси эканлигига ЧЕКАни ҳам, судни ҳам, улусни ҳам ишонтирмоқ керак. Ҳ. Ғулوم, Машъал. | Телва-тесқари; беўхшов. Сиз менинг телба сўзларимдан очтирилмангиз. А. Қодирий, Утган кунлар. Телба бўлмоқ 1) ақлдан озмоқ, девона, жинни бўлмоқ. Осилжон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, ҳамма киз телба бўлган, деб унга қаради. Ж. Шарипов, Хоразм; 2) ўзини йўқотмоқ, ўзини унуттиш даражасида ҳаяжонланмоқ. Мен одамнинг бахтдан телба бўлганини ўшанда кўрдим. А. Мухтор, Туғилиш.

2 кўчма поэт. Жилванмаган, асов. Телба дарё. Телба тўлқинлар. — Жўш уриб қирғоғини Хўплар эди телба сой. Ғайратий. Телба шамол қутуриб ҳамла қилди. Авайлиб ўстирилаётган ниҳолларни илдизи билан кўпориб кетди. А. Набихўжаев, Мандат.

◆ Телба тўнини тесқари киймоқ айн. тўнини тесқари киймоқ қ. тўн.

**ТЕЛБАЛАНМОҚ** 1 Ақл-хушини йўқотмоқ, телбага ўхшаб қолмоқ. Лағли деган бу жузун Абдурахмонбойнинг келини бўлган. Аммо Бўронбекка ишқи тушиб, унинг кўйида телбаланган. Ҳ. Ғулум, Машъал. | Нима қилишини билмай гаран бўлиб қолмоқ, саросимага тушмоқ. Биз орқадан ҳужум қиламиз, сиз олдиндан; қоронғи кечада икки ўқ орасида қолган босмачилар телбаланиб, қочтидан бошқа чора тополмаслар. Айний, Қуллар.

2 кўчма Шиддат билан пишқирмоқ, жўшга келмоқ, ўзини ҳар ёққа урмоқ (одатда сув ва шамол ҳақида). Оқар жўшқин урароқ. Телбаланиб Хон ариқ. Ювилар тинмай қирғоқ, Ҳарён тошган, ҳайқириқ. Ғайратий.

**ТЕЛБАЛАРЧА** рви Телбаларча ўхшаб, ақлдан озган каби.— Ҳаётим! Топдим, олма орқасидасиз! — деб юборди у [Ғулумзон] телбаларча қувониб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Гумонимча, иситмангиз қаттиқ ушлаган кўринадир ва телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЕЛБАЛИК** 1 телба с. белги оти. Телба телбалигини тан олмайди. Мақол 2 Телбаларга, ақлдан озган, эс-хушини йўқотган кишиларга хос ҳолат, хагги-ҳаракат; жиннилик. Телбалик излари йўқолиб, ақл ва ҳусн барқ уриб турган кўзларга боқиб, унга [Адолатга] сира тенгсиз бир лаззат бағишларди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ТЕЛБАНАМО** Телбалар каби, телбага ўхшаш, жиннисифат. Телбанамо киши. — Қаримжон урушга кетгач, Асрора бирон ой телбанамо бўлиб юрди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТЕЛБАСАРО** кам қўлл. Телбаларга ўхшаш, ақлу хушини йўқотган; девонасифат. Телбасаро эмишсан гоҳи, Қийнар эмиш сени ташна лаб. Уйларингни узун тунлари Қора фикр олармиши қамраб. Т. Тўла.

**ТЕЛБАСИМОН** айн. телбанамо.

**ТЕЛБА-ТЕСҚАРИ** Бир-бирига боғланмаган, пойма-пой; беўхшов. {Го-фиржон} Розия ҳоланинг телба-тесқари гапларини кўнелига олган бўлса, эҳтимол. Н. Назаров, Замон.

**ТЕЛВА-ТЕСҚАРИ** с. т. Телба-тесқари.

**ТЕЛЕБОШҚАРИШ** айн. телебошқарув.

**ТЕЛЕБОШҚАРУВ** Узоқдан туриб бошқариш, масофадан бошқариш. Республикадаги ҳамма гидроэлектростанциялар автоматлаштирилган, телебошқарув жорий қилинган.

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ** [р] Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини электр ва радио алоқа қурилмалари ёрдамида узоққа узатиш ва узоқдан кўриш ва унинг воситалари. Марказий телевидение. Тошкент телевидениеси. Телевидение техникаси. Телевидение орқали кўрсатиш ва эшиттириши.

**ТЕЛЕВИЗИОН** Телевидениега оид. Телевизион марка. Телевизион эшиттириши.

**ТЕЛЕВИЗОР** [р <грек+лат] Телевидение орқали узатишган сигналларни тасвир ва овоз тарзида қабул қилиб кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат. «Рубин» маркали телевизор. Телевизорни ўрнатмоқ. Телевизорда концерт кўрмоқ. — Уй тўридаги столда турган телевизор унинг [Холмирзанинг] диққатини кўпроқ тортди. Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

**ТЕЛЕВИЗОРЧИ** с. т. Телевидение бўйича мутахассис; телевизор тuzатувчи уста. Утган кун телевизорчилар келиб, уни [Кувондиқни] сурагга олишган, ҳийла овра қилишган эди. С. Абдулла, Қувондиқ.

**ТЕЛЁГА** [р] Тўрт филдиракли арава. Телёгада ёнғи ташитган Дилишод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЕЛЕГРАММА** [р <грек] Телеграф орқали юборилган ёки олинган хабар ва шундай хабар ёзилган қоғоз. Қутлов телеграммаси. Телеграмма юбормоқ. Телеграмма олмақ. — Грейдернинг ёрдами куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЕЛЕГРАФ** [р <грек] 1 Узоқ масофаларга телеграмма, радиотелеграмма равишида ошиғич хабар узатиш

учун хизмат қиладиган электр ва радио алоқасининг бир тури ва унинг воситалари. Телеграфнинг қишқ этилиши. Телеграф алоқаси. Телеграф аппарати. Телеграф симллари. — Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз башит чир айланиб, телеграф столбалари унга чолиб кетаётгандай. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай хабарларни юборадиган ва қабул қилиб оладиган алоқа муассасаси ва унинг биноси. Тошкент марказий телеграфи. Телеграфча бормоқ. Телеграфда ишламоқ. — Биронта иморот йўқ. Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТЕЛЕГРАФИСТ** [р] Телеграммалар юборувчи ва қабул қилиб олувчи телеграф ходим. Телеграфист бўлиб ишламоқ.

**ТЕЛЕГРАФИСТКА** [р] Телеграфист аёл.

**ТЕЛЕГРАФИЯ** [р] Ёруғлик, радио ва электр сигналлари воситасида узоққа тез хабар етказиш техникаси.

**ТЕЛЁЖКА** [р] 1 Кичкина телега; аравача. Махсулот ортилган машиналар, тележклар музхона ва пункт томон ошиқади. М. Назаров, Яхшини мақтаса ярашур.

2 Баъзи машина ва механизмларнинг сурилиб юрувчи қисми. Кран тележкаси.

**ТЕЛЕИНСЦЕНИРОВА** [р] Телевидение орқали берилган инсценировка.

**ТЕЛЕМАРКАЗ**, **телевизион марка** Телевидение алоқаси учун хизмат қиладиган, махсус усқуналанган муассаса ва унинг биноси.

**ТЕЛЕМЕТРИК** [р телеметрический] Телеметрияга оид. Телеметрик аппарат. Йўлдош кеманинг телеметрик системаси.

**ТЕЛЕМЕТРИЯ** [р <грек] Турли катталикларни узоқдан ўлчаш ва унинг методлари ҳақидаги фан.

**ТЕЛЕМЕХАНИЗАЦИЯ** [р] Ишлаб чиқариш процессларини узоқдан бошқариш ва назорат қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

**ТЕЛЕМЕХАНИК** [р] Телемеханика мутахассиси.

**ТЕЛЕМЕХАНИК** [р телемеханический] Телемеханикага, узоқдан бошқаришга оид; узоқдан бошқариш учун хизмат қиладиган. Телемеханик аппарататура. Телемеханик система. | Телемеханика воситасида амалга ошириладиган. Телемеханик контроль.

**ТЕЛЕМЕХАНИКА** [р <грек] 1 Ишлаб чиқариш процессларини, машина ва механизмларни алоқа воситалари ёрдамида узоқдан бошқариш ва назорат қилиш.

2 Узоқдан бошқариш ва назорат қилиш воситалари ва методлари ҳақидаги фан. Автоматика ва телемеханика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари.

**ТЕЛЕОБЪЕКТИВ** [р <грек+лат]

Узоқдаги нарсаларни йирик масштабда суратга олиш учун ишлатиладиган фотообъектив.

**ТЕЛЕСКОП** [*p* < *грек*] Осмон жисмларини кузатиш, суратга олиш ва ўрганиш учун белгиланган астрономик оптик асбоб. *Астрономлар таъминан 350 йилдан бери телескоп орқали Ойни ўрганадилар.* — *Телескоп кўзимизни Сурайёдан ўтказди, Радио сўзимизни Жаҳонларга етказди. Ғ. Ғулум.*

**ТЕЛЕСКОПИК** [*p* телескопический] 1 Телескопга оид. *Телескопик линза.* | *Телескоп воситасида амалга оширилладиган. Телескопик кузатишлар.*

2 *тех.* У ёқ-бу ёққа суриладиган ёки сурилиб турадиган қисми бўлган. *Телескопик кран. Мотоциклнинг телескопик вилкаси.*

**ТЕЛЕСКОПИЯ** [*p* < *грек*] Осмон жисмларини телескоп орқали кузатиш.

**ТЕЛЕСТУДИЯ** [*p* < *грек* + *итал*] Телевизион марка қошидаги бевосита телевидение кўрсатувлари олиб бориладиган студия. *Сени излаб консерваторияга бордим, телестудияда дейишди. Оёғимни қўлимга олиб у ёққа югурдим, кейин бу ёққа. Ш. Саъдулла, Икки биллагузук.*

**ТЕЛТАЙП** [*p* < *грек* + *ингл*] Ёзув машинкасига ўхшаш клавиатурали телеграф аппарати (узоқдан юборилган телеграмма бу аппаратда қоғоз лентага автоматик равишда ёзиб борилади). *Хабарни телетайп орқали узатмоқ. Телетайп лентаси.*

**ТЕЛТАСВИР** [*грек* + *a*] Телевидение орқали узатилган ва телевидение экранда қабул қилинган тасвир. *Космосдан берилган телетасвир.*

**ТЕЛЕТОМОШАБИН** [*грек* + *a* + *ф-т*] Телевизор орқали бериладиган кўрсатиш ва эшиттиришларни кўрувчи ва эшитувчи томошабин. *Телетомошабинларга манзур бўладиган программа.*

**ТЕЛЕФОН** [*p* < *грек*] Электр алоқа турларидан бири — узоқдан туриб сўзлашишга ҳизмат қиладиган қурилма ва унинг сигнал звонети ҳамда гаплашиш трубкаси бўлган аппарати. *Телефонда (телефон орқали) гаплашмоқ. Телефон билан хабар қилмоқ. Телефон станцияси.* — *Телефон жиринглади. Сулаймонов трубкани олди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. Телефон қилмоқ (ёки қоқмоқ) телефонда, телефон орқали гаплашмоқ. [Хуморхон:] Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб сизни сўраган эди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошладилар. И. Раҳим, Ихлос.*

**ТЕЛЕФОНБОЗ** [*p* + *ф-т*] с. т. Телефон орқали гаплашишни яхши кўрадиган, идорадан чиқмасдан телефон орқали иш битиришга уринадиган одам. — *Тағин телефонбоз бўлиб кетибди, деб ўйламанлар, — гап қистириб қўйди Асадулла [муҳбирга]. Т. Хўжакулов, Секретарнинг ён дафтарида.*

**ТЕЛЕФОНБОЗЛИК** с. т. Идорадан чиқмасдан телефон орқали иш битиришга уриниш, телефонда гаплашиб вақт ўтказиш.

**ТЕЛЕФОНИСТ** [*p*] 1 Телефон станциясининг ходими.

2 Телефон линияларини ўтказувчи мутахассис.

**ТЕЛЕФОНИСТКА** [*p*] Телефонист аёл. *Смена тугади. Фотима опа ҳам, бошқа қизлар ҳам меҳнат постларини бошқа телефонисткаларга бўшатиб беришди. С. Маҳмудова, Фотима.*

**ТЕЛЕФОНЛАШМОҚ** с. т. Бир-бирига телефон қилмоқ, телефон орқали гаплашмоқ. *Байрамгача яна бир телефонлашамиз. Энди тез-тез телефонлашиб турайлик.*

**ТЕЛЕФОНЛАШТИРМОҚ** Бирор жойда телефон алоқаси ўрнатмоқ, уни телефон билан таъминламоқ. *Колхозни телефонлаштирмоқ. Қишлоғимизни аллақачон телефонлаштирганмиз.*

**ТЕЛЕФОНГРАММА** [*p* < *грек*] Телефон орқали эшитиб ёзиб олинган хабар ёки маълумот. *Телефонограмма юбормоқ. Телефонограмма олмақ. — Февраль бошида яна телефонограмма, телеграммалар кучайди. И. Раҳим, Ихлос.*

**ТЕЛЛҶР** [*p* < *лат*] Химиявий элемент, кумушсимон кўкиш оқ рангли мўрт металл.

**ТЕЛМИРМОҚ** с. т. Термилмоқ.

**ТЕЛМУРМОҚ** с. т. Термилмоқ.

**ТЕЛОВ:** ақлингга телов текканми? *диал.* ақлдан оздингми?, ақлингги едингми?, сенга нима бўлди?

**ТЕЛОГРҶКА** [*p*] Олди тугмаланадиган калта қавима пахталик. *Бригада бошлиғи Жумақўзи Абдураимов. эғнида телогрҶка, пахтазор оралаб юрган экан. Х. Тўхтабоев, Оқ олтин хирмон-хирмон.*

**ТЕЛПАК** 1 Тепаси юмалоқ, мўйна жиякли иссиқ бош кийими. *Савсар телпак. — Қимки, оёғи толиб, сал орқада қолса, тулки телпак кийган бадқовоқ қўрбоши бешотар қўндоғи билан унинг қураеига туртиб, пештахам сўзлар билан сўқади. Ҳ. Ғулум, Машъал. Қундузсиз телпак мўйна жияги бўлмаган, фақат ичига мўйна қопланган бош кийими. Қўса, озгин, кенг гулли тўн ва қундузсиз телпак кийган бир киши кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 с. т. Мўйнали ҳар қандай иссиқ бош кийим (қулоқчин, папаха, тумоқ ва ш. к.). *Мен Раҳимоғни оддий кишилар, солдатлар орасида учратдим, унинг устида пустини ва бошида қоракўл телпаги бор эди. А. Раҳмат, Генералнинг шуҳрати. Қулоқчин телпак айн. қулоқчин. Сочни телпак қилмоқ сочини телпак шаклида бошга чамбарак қилиб ўрамоқ. Сочини қилган телпак, Юзи қип-қизил чалпак. Қўрганлар қилиб эрмак — «Зап офатжон», дейди. Т. Маҳмудов.*

**ТЕЛПАҚДҶЗ** Телпак тикадиган, тайёрлайдиган косиб. *Бу кўчада бой,*

*савдогар, узангисоз, сарроҳ, маҳси-дўз, қаушдўз, телпакдўз, дурадгор каби ҳунармандлар бор. эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ТЕЛПАҚДҶЗЛИК** телпакдўз с. касб оти. *Телпакдўзлик қилмоқ.*

**ТЕЛЧИРАМОҚ** айн. терчиламоқ.

**ТЕМА** [*p* < *грек*] 1 Илмий текшириш, мақола, бадий асар ёки умуман фикр-мулоҳаза юритиш, суҳбат ва ш. к. учун танлаб олинган объект; мавзу. *Дарс темаси. Диссертация темаси. Лекция темаси. Суҳбат темаси. Замонавий темадаги асар.* — *Бадий асарда турмушни кўрсатиш учун ёзувчи томокидан турмушдан танлаб олинган ҳодисага бир асарнинг темаси [мавзу] деймиз. «Адабиёт назарияси».*

2 Музыка асарига ёки унинг бирор қисмига асос бўлган оҳанг, мотив, куй.

**ТЕМАТИК** [*p* тематический] Тема ёки тематикага доир, бирор темага бағишланган. *Тематик концерт. Тематик виставка.* — *Ойда бир марта оилавий тематик кечалар ўтказиб турилади. У. Қобилова, Аҳил онла. Тематик план* темаларни кўрсатиб тузилган план.

**ТЕМАТИКА** [*p*] Танлаб олинган, ишланган ёки ишланаётган темалар мажмуи. *Ёзувчи ижодида ҳозирги замон тематикаси.* — *Фестивалда кўрсатилаётган фильмларнинг тематикаси, жанри ранг-баранг. Ҳ. Акбаров, Изла-ниш йўлида.*

**ТЕМБР** [*p* < *фр*] Бир пардадаги, бир хил баландликдаги ҳар бир товушнинг ўзига хос, бошқаларидан ажратадиган сифатлари. *Тембр — ҳар бир музыка асбобининг ёки ашулчи овозининг ўзига хос характери.* — *Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг тембри турлича бўлиши мумкин. И. Акбаров, Музыка саводи.*

**ТЕМИР** 1 Химиявий элемент, болғаланганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган, углерод билан қўшилганда пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир кумуш рангли оғир металл. *Соф темир. | Темир қоziқ. — Магнит ҳам темирни домига тартади, кесакни торта олмайди. П. Қодиров, Уч илдиз. Унинг [Қоратойнинг] ун уч яшар ўғли дам босиб, кичик болга билан темирни уриб дадасига ёрдамлашарди. Ойбек, Қулғу қон. Арава темир арава ғилдираги тўғнига қоқилдиган узун ясси темир. Холмирза ака ота жабдуқлар олиш, аравага темир қоқдириш учун тушиб кетди. А. Қодиров, Обид қетмон.*

2 Темир (эркаклар исми).

♦ **Темир дафтар** ёзувлари қонун кучига эга бўлган дафтар. *Буларнинг ҳаммаси унинг бўйнида қарз бўлиб ётарди. Булардан ташқари, отасининг дафн харажатлари ҳам темир дафтарда ёзилгў эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Темир интизом мустаҳкам,*

бузилмас интизом. *Темир интизом ўрнатмоқ.* **Темир ирода** мустаҳкам ирода. *Темир иродали киши.* **Темир панжа** кучли, бақувват панжа, қўл. *Папоқ кийган қаҳрамон, Гавадали қоплон, Темир панжасан билан тўқ, Душманнингдан қон.* **Ҳамза. Темир қанот** 1) қанотлари энди шаклланиб келаётган, учини энди ўрганаётган қуш болалари ҳақида. *Чумчуқ болалари темир қанот бўлиб қолибди;* 2) кўчма ҳали қўлидан бирор иш келмайдиган; ёш; гўдак. *[Содиқ:] Уйдаги темир қанот сағирларнинг ҳоли нима бўлади.* **Н. Сафаров, Уйғонини;** 3) кест. бирор иш ёки хунарни энди ўрганиб келаётган, бирор соҳага энди кириб келаётган; ғўр, хом. *Рубоб сотиб олганига ҳали икки ҳафта бўлмаган, ашуланинг авжи билан савтини унча фарқ қилмайдиган «темир қанот» ашулаларга телестудия эшигини саҳийларча очиб қўйиш ҳам ярамайди.* **Т. Алимов, Навбатдаги номеримизда.** **Темир қафас** атрофи маҳкам беркитилган, бирор ёққа чиқишга имкон бермайдиган жой; турма. *[Жамила:] Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қорувуллар бор.* **Ҳамза, Бой ила хизматчи.** **Темир қонун** мустаҳкам, бузилмас қонун. *Қабулга келганларни қунт ва чидам билан эшитиш, улар қўйган масалани ҳал этиш — Ойқиз учун темир қонун, тантанали қасам эди.* **Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.** **Темир ғов** мустаҳкам ғов, тўсиқ. *У ҳаймага ҳеч қачон келтирмаган ва онаси томонидан йўлга тўсилган темир ғов Саодатхоннинг режаларини бузиб юборди.* **Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.** **Темирни қизғида бос** хар ишни ўз вақтида қил, фурсатни бой берма маъносидан ишлатиладиган мақол. *«Темирни қизғида бос», деган мақолага амал қилиб, унга мадҳ-сано ўқийша бошлади.* **Ойбек, Навоий.**

**ТЕМИРАТКИ** Шўралаган ёки қўтирсимон тери касаллиги. Эчкининг сuti темираткига дори бўлармиш. *Бу Луқмони Ҳакимдан қолган гап.* **С. Ахмад, Ҳукм.**

**ТЕМИР-БЕТОН** Ичига темир чивиклар ўрнатиб қуйилган бетон. *Темир-бетон буюмлари заводи.* **Темир-бетон устунлар. *Темир-бетон шпаллар. Темир-бетон иншоот.***

**ТЕМИРТАК** 1) Темир парчаси. *Бу кичкина тугунчақ ичида мазор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўли, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди.* **Ойбек, Кутлуғ қон.**

2) *кўчма* Ҳеч нарсага ярамайдиган эски ўтмас пичоқ. *Сабзи тўғраш учун шу темиртакдан бошқа пичоқ топилмадими? Она дудуқланиб ва ёнида турган темиртак пичоқни олиб, Саидийга қаради.* **А. Қаҳҳор, Сароб.**

**ТЕМИР-ТЕРСАК** Ишдан чиққан темир ва бошқа металл буюмлар; темир ва бошқа металл чиқиндилар. *Темир-*

*-терсақ йиғмоқ.* — *Ишлатилмаган тракторнинг уйлиб ётган темир-терсақдан нима фарқи бор.* **Шухрат, Шинели йиллар.**

**ТЕМИРТОШ** мин. Темир рудаси. *Маенит темиртош. Қизил темиртош.*

**ТЕМИРЧИ** Темирни болғалаб, ундан турли буюмлар ясайдиган уста. *Ниничининг минг ургани, темирчининг бир ургани.* **Мақол.** — *Катта кўча. Унг томонида Темирчилар босқон босади.* **Э. Раҳим.**

◆ **Гапга темирчи эск.** 1) гапни жуда чўзиб юборадиган, эзмалик қиладиган, эзма; 2) гапни айлантирадиган, гап билан алдайдиган. — *Таъба, — деб кулди Қумуш, . . сен қўрқмасанг ҳам бўлади, деб тагин нина тўқасиз. . . Мана шуни гапга темирчи, деб айтадилар!* **А. Қодирий, Утган кунлар.** **Отанг темирчими? ёки отанг темирчи ўтганми?** мунча эзмасан, гапни чўзма, деган маънода ишлатиладиган ибора. *Отанг темирчи ўтганми ўзи, гапни чўзиб нима қиласан?* **С. Абдуқажҳор, Аччиқ дори.**

**ТЕМИРЧИЛИК** 1) темирчи с. касб оти. *Темирчилик билан рўзғор тебратмоқ.* — *Бу маҳаллада унга [Йўлчига] маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси Шокир ота номли маҳсидўз чол.* **Ойбек, Кутлуғ қон.**

2) эск. Темирчиларнинг дўқоп ёки ишхоналари ўрнашган раста, кўча.

◆ **Гапга темирчилик эск.** 1) гапни чўзиш, эзмалик қилиш. *Гапга темирчиликдан худой сақласин, ота-онам темирчи ўтган эмас.* **А. Қодирий, Утган кунлар;** 2) гапни айлантириш, гап билан алдаш. *Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапга темирчилик яхши эмас.* **А. Қодирий, Утган кунлар.**

**ТЕМИРҚОЗИҚ** (Т — катта) айн. **Қутб юдузи қ. қутб 1.**

**ТЕМП** [p<лат] 1) Музыка асарини ижро этишнинг тезлик даражаси.

2) спорт. Бир хил ёки бирор харакатларнинг ижро этиш суръати. *Югуртиш темпи. Отиш темпи.*

3) Умуман суръат, тезлик. *Ишлаб чиқариш темпи. Ушиш темпи.* — *Ҳозирги куннинг темпи билан баравар ўсиб боролмаган киши орқада қолиб кетиши турган гап.* **А. Толибов, Анқов.**

**ТЕМПЕРАТУРА** [p<лат] 1) Нарсаларнинг иссиқ-совуқлик даражаси. *Металлнинг эриш температураси.* *Сувнинг қайнаш температураси.* *Ҳаво температураси.* *Температуранинг ўзгариши.* *Юқори температура.*

2) Тирик организмдаги, мас. киши баданидаги соғ ёки нотоблиқни кўрсатувчи иссиқлик даражаси; ҳарорат, иситма. *Унинг температураси баланд.* *Нормал температура.* *Беморнинг температурасини ўлчмоқ.*

**ТЕМУРИЙ** Темурийлар сулоласига мансуб киши.

**ТЕМУРИЙЛАР** 15—16 асрларда Ўрта Осиёдаги турли давлатларда ҳукмронлик қилган Амир Темир авлодлари, Амир Темир сулоласи. *Темурийлар салтанати.*

**ТЕНГ** 1) Улачи, ҳажми, катта-кичиклиги, сони ва ш. к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, баравар. *Тенг масофалар. Тенг бўлақлар. Узунлиги тенге ёғочлар. Тенге еганни тангери севибди.* **Мақол.** — *Биз қачон ўқиймиз? — деб Қамишқопанинг тенге ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш биринчи гада советнинг вазифаси эмасми?* **П. Турсун, Ўқитувчи.** *Икки томони тенге бўлган учбурчак тенге ёнли учбурчак дейилади.* *«Геометрия».* | *Еши жиҳатидан баравар, тенгдош, тенгқур. Тенге болалар.* | *«Ўқтамбой ҳам ўз тенгларини ишда дуркун, орқасида олти пуд юк кўтариш билан мақтанаётган йигит.* **А. Қодирий, Обид кетмон.**

2) Аҳамияти, тугган ўрни, маъқен, нуфузи ва ш. к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, баравар. *Бу ерда у [Элмурод] биринчи марта ўзини бошқалар билан тенге одам ҳис қилар эди.* **П. Турсун, Ўқитувчи.** *Унинг [Умри] учун оламда ўзига тенге одам йўқ, у билган одамлар ё ўзидан насти, ё ўзидан юқори.* **А. Қаҳҳор, Хотинлар. Ер юзидан тенги йўқ бизнинг Ватан, Меҳнатсевар халқлар учун жону тан.** **И. Муслим.** *Тулиб етилган қиз энди унинг [йигитнинг] кўз олдига тенге топилмас гўзал бўлиб қолди.* **П. Турсун, Ўқитувчи.** | *Бошқалар билан бир ҳуқуқли, ҳақ-ҳуқуқи баравар. Сайлаш ва сайланишда хотин-қизлар эркаклар билан тенге ҳуқуқлидирлар.* *«ЎзССР Конституцияси».* | *«Хуморхон»:* *Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенге.* **А. Қаҳҳор, Орғиқ тишлар.** *Хотин-қизларнинг чинакам озод бўлиши учун очилишининг ўзи етмайди.* *Улар жағият ҳаётида эркаклар билан тенге иштирок этишлари, ишллари керак.* **С. Зуннунова, Гулхан.**

3) Бир-бирига мос, мувофиқ, муносиб. *Тенгини топсанг, текин бер.* **Мақол.** *Тенг-тенги билан, тезак қопи билан.* **Мақол.** *Чин дўст туғишганинг билан тенге.* **Мақол.** — *Мен ҳеч сенинг тенгинг эмасман. Омоним бор сени демасман.* **Ҳ. Олимжон.**

4) *рвш* Бир-биридан қолишмай ёки ўзмай, айна бир пайтда, бир вақтнинг ўзида; баравар. *Улар тенге эсунаб кетдилар.* *Учовлари ҳам тенге туғилган.* *Бу кўчатлар тенге экилган.* *Тенге ишламоқ.* — *Тоҳир-Зухра ҳолдан бир калима эшитинг: Ўқиб, ўйнаб бир богда улғаяр эдилар тенге.* **С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.** **Тенг баравар с. т.** *икки ҳисса; икки ҳисса кўп, икки марта ортиқ.* *Тенге баравар фойда олмақ.* **Тенг бўлмоқ** 1) баравар икки ёки бир неча қисмга ажратмоқ; баравар тақсимламоқ. *Қовунни олти кишига тенге бўлмоқ.* *Ёнғоқларни болаларга*



тенг бўлиб бермоқ; 2) бир хил, баравар бўлмоқ, тенглашмоқ, фарқ қилмаслик. Мана, ўша қадимий чўл . . Бахшилар «унча-мунча ер унча енг бўлмас, енг бўлса ҳам тенг бўлмас, деб атаган . . чўл. А. Пўлат, Чўлдаги машғал; 3) биров билан айтишиб, тортишиб унга бас келмоқ, баравар келмоқ. Кейин ўғлининг қўлтиғидан олиб, бир четга тортиди. — Булар билан тенг бўлманг, ўғлим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тенг келмоқ айн. тенг бўлмоқ 2,3. Маҳалладаги турли қизиқчиликлар ва ҳазилвоонликларда Юсуфжонга тенг келадиган йўқ эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Одамлар завқ билан ҳазил қилиди: Сизга тенг келиб бўладими? — Сиздан йиқилиб бир ҳафта белимизни ололмай юрмайлик тағин, қўйинг-э. П. Турсун, Ўқитувчи. Тенг кўрмоқ (еки қарамок) 1) аҳамияти, мавқен, мартабаси ва ш. к. дан қатъий назар, бир хил муносабатда бўлмоқ. Дадамиз ҳаммамизни тенг кўрар эдилар; 2) тенглаштирмоқ, баравар, бир хил, тенг ҳуқуқли деб ҳисобламоқ. Ҳа демай, масъулият ҳиссини гурур енди: Бўтабой ҳеч кимни ўзига тенг кўрмайдиган. . бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ Тенг шерик тенг фойдаланиш, тенг бўлиб олиш шарти билан тузилган шерикчилик. Тупроқ билан тенг қилмоқ 1) ер билан яксон қилмоқ, вайрон қилмоқ. Уруш кўн шаҳар ва қишлоқларни тупроқ билан тенг қилди; 2) хор қилмоқ, пойма, оёқ ости қилмоқ. [Ғофир:] Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнати, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунчалик наст тушдимми?! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ТЕНГДОШ** 1 Ёши баравар, тенг, тенгқур. Тенгдош болалар. || Биз у билан тенгдошимиз. ■ Жоним ўғлим, қаҳрамон бўл меҳнатда, Тенгдошларга намуна бўл ғайратда. Ҳабибий. | Бир вақтда майдонга келган, тугилган, юз берган. Мен Октябрь тенгдошиман. ■ Йигирма бир баҳор тенгдоши Фая Габидуллина дўстлик магистрли қурилишига комсомол йўлланмаси билан Уфа шаҳридан келган. С. Раҳимов, Зангори қуёш элтаётганлар.

2 кўчма кам қўлл. Баравар, тенг. Юзалари тенг геометрик фигуралар тенгдош фигуралар дейилади. «Геометрия».

**ТЕНГДОШЛИК** 1 тенгдош с. белги оти. Бизнинг тенгдошлигимизни энди билдингизми?

2 кўчма кам қўлл. Тенг ҳуқуқчилик, тенглик. Миллий тенгдошликнинг доно автори, Халқлар дўстлигининг соҳиб нафаси, Отаҳон доҳиймиз, Сиз илҳом бериб, Гуриллар халқимнинг енгилмас саси. Ғ. Ғулом.

**ТЕНГЛАМА** мат. Гаркибида ўзаро боғланган икки ёки бир неча катталиқ бўлган математик тенглик. Биринчи даражали тенглама. Квадрат тенглама. Тенгламалар системаси. ■ Хи-

миявий реакциянинг шартли равишида символлар ва формулалар билан ёзилиши химиявий тенглама деб аталади. «Химия».

**ТЕНГЛАМОҚ** Тенглаштирмоқ, бараварлаштирмоқ, бараварламоқ. Тошқин Амударёни Тенглаб бўлмас сой билан. Х. Сентов. Қудрат ўзини Мунисхонга тенглаб кўрди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ТЕНГЛАНМОҚ** тенгламоқ фл. мажж. н.

**ТЕНГЛАШМОҚ** 1 Бирор жихатдан, мас: мавқен, ҳуқуқи, билими, ҳажми ва ш. к. жиҳатидан бошқа билан тенг, баравар бўлмоқ, бараварлашмоқ. Қучлар тенглашиди. Ака-уканинг бўйи тенглашиб қолди. ■ — Қошиқ эди теолоам — деди Тўйбека, — мен унинг бир тўкига ҳам арзимайман. Аммо сен бўлсанг унинг билан тенглашар эдинг. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Баравар, бас келмоқ, мас. курашда, бахсда. Кенашмай тенглашма. Мақол. ■ — Ота, — деди Йўлчи чолага бориб, — раҳмат сизга, лекин захрини солган илонга ялғини ярмайди! — Узр айт, болам. Золим билан тенглашма! — деди чол. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Қувиб етиб олмоқ, етиб олиб баравар, ёнма-ён бўлмоқ. Автомобиль тракторга етиб олиб тенглашганда, шофёр яна сигнал берди. ■ Умурзоқ ака қишлоқ тарафдан отни йўргалатиб келиб, уларга тенглашиб олгач, бир энтикди-да, гўё қалбини жириллатиб турган оғриқни битталаб олиб ташлаётгандай гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТЕНГЛАШТИРИЛМОҚ** тенглаштирмоқ фл. мажж. н.

**ТЕНГЛАШТИРМОҚ** 1 тенглашмоқ 1, 3. фл. орт. н. Қучларни тенглаштирмоқ. Экинларни тенглаштириб олмоқ. Болаларни билим жиҳатидан тенглаштириб олмоқ. ■ Ҳакимбойвачча . . оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Қиёсламоқ, таққосламоқ, ўхшатмоқ. Онам мени иш учун туққан эмас. Сен мени ким билан тенглаштирасан. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТЕНГЛИК** 1 тенг с. белги оти. Учбурчаклар тенглиги. Қучлар тенглиги. Халқларнинг ҳуқуқий тенглиги.

2 Тенг ҳуқуқчилик, ҳақ-ҳуқуқда бараварлик. Тенглик — кенглик. Мақол. Тенглик бермоқ. Тенгликка эришмоқ. ■ У ерда тенглик ва дўстлик, севги ва меҳнат — оила бахтининг манбаи. Ойбек, Нур қидириб.

**ТЕНГЛИҚДА** реш, кам қўлл. Баравар, биргаликда, бир вақтда. Иккиси [қутидор билан Отабек] тенгликда қушбегиа қарши чўккаладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕНГСИЗ** 1 Тенги, мисли йўқ, мислсиз. Тенгсиз гўзал қиз. У сўз санъатида тенгсиз эди. ■ — Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо

кўрғувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Чексиз, бейўлчов кўп, ҳаддан зиёд. Чигирткалар экинга тенгсиз зарар етказдилар.

2 Бирор жиҳатдан тенг келолмайдиган, номуносиб. Тенгсиз билан тенг бўлма! Мақол. ■ Мақол бор: орзуга айб эмасдир, Йигитман, менга сен тенгсиз демасдир. Ҳабибий. | Ҳақ-ҳуқуқда тенгсизлик ҳукм сурган. Замира. . эски урф-одатлар асосига қурилган тенгсиз оилада туғилганди. П. Қодиров, Уч илди. | Қучлар нисбати тенг бўлмаган, бир томон ошиқ, устун, иккинчи томон заиф бўлган. Биз мамлакат ичкарисидаги қисмларни чегарага тўплай олмадик. Биринчи кунларда тенгсиз жанглар бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЕНГСИЗЛИК** 1 тенгсиз с. белги оти. Унинг гўзаллиги, малаҳатда тенгсизлиги ҳаммага аён.

2 Ҳақ-ҳуқуқ, мавқе, имтиёз, бойлик ва ш. к. жиҳатдан тенг эмаслик; тенг ҳуқуқли эмаслик. Иқтисодий тенгсизлик. Улуғ Октябрь миллий тенгсизликни, миллий адоватни абадий тугатди. Бизнинг Ватанимиз социал тенгсизлик ва миллий зулм тугатилган мамлакатдир.

**ТЕНГСИТМОҚ** с. т. Тенглаштирмоқ, баравар қўймоқ. Менга тенгситмасин Тоҳирни ул Зухрои афлोकим, У сизга фарқ эди, мен фарқи дарёйи хуни ишқ. Маҳжур.

**ТЕНГ-ТУШ**, тенгу туш Ёш жиҳатдан тенг, тенгқур. Қани энди у [Рус-тамжон] . . қаҳрамон бўлиши сирларини била қолса, енг шимариб ишга тушса! — Тенг-тушларидан аввал мақсадада эришса. И. Раҳим, Хислат. Менга мотам тутиб қора боғламанг, Тенг-тушим нозик бағрин доғламанг. Ҳамза. Қойил бўлдим, мард йигитнинг ишга, Омон-эсон борсин тенги-тушига. «Муродхон».

**ТЕНГЧИ** с. т. Текисчи. Армияда тенгчиларнинг таъсири кучли эди. Улар одамлар ҳур туғилади ва бир-бирлари билан тенгдир, бироқ . . аристократлар ва бойлар ҳукмрон бўлиб олганликлари учун . . одамлар хор-зорликда яшайди, дер эдилар. «Янги тарих».

**ТЕНГЧИЛИК** с. т. Текисчилик.

**ТЕНГҚУР** 1 Ёш жиҳатдан тенг ёки унча фарқ қилмайдиган кишилар; бирга ўсиб катта бўлган ўроқлар; тенгдош, тенг-туш. Тенгқурларим — беш йил бир аудиторияда ўқиган кадрдонларим — тўда-тўда бўлиб сафарга отланишарди. Х. Назир, Муҳаббат. Шу орада Алломиш . . қирқта тенгқур жўраси билан Бойсарини излаб, қалмоқ юртига бориб, қалмоқ шоҳга банди бўлиб қолди. «Алломиш».

2 фольк. Муносиб, мувофиқ, мос. Менга тенгқур бўлолмайсан, Қўнглигинанг қуриб кетсин. Пўлкан шоир. **ТЕНДЕНЦИОЗ** [р тенденциозный]



Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган фикр, қарор ва ш. к.ларга асосланган; ғаразли, бир ёқлама. *Тенденциоз мулоҳаза. Тенденциоз хулоса.*

**ТЕНДЕНЦИОЗЛИК** Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган фикр, қарор ва ш. к.га асосланиш; бир ёқламалик, ғаразғўйлик. *Марксизм классиклари ва рус революцион демократларининг тенденциозлик, синфийлик ва халқчиллик ҳақидаги қарашлари.. жаҳон эстетик тафаккури тараққиётини янги, юқори поғонага кўтарди.* С. Қосимов, Партия ва адабиёт.

**ТЕНДЕНЦИЯ** [*p < лат*] Ивтилиш, майл; шамойил. *Прогрессив тенденциялар. Хусусий мулкчилик тенденцияси.*

**ТЕННИС** [*p < ингел*] Тўр тутиб иккига ажратилган майдонда коптокни кап-гирсимон ракетка билан уриб, тўр устидан ошириб ўйналадиган спорт ўйини. *Теннис коптози. Теннис ўйнамоқ. — Болалар чувос кўтариб узокда теннис ўйинида давом этардилар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ТЕННИСКА** [*p*] Қалта энгли эркакча кўйлак. *Мўйлов стулга ўтирар экан, кўзи бир зум Зокирнинг зенидаги чиройли шойи теннискада тўхтади.* П. Қодиров, Уч илди.

**ТЕННИСЧИ** Теннис ўйновчи. *Боксчи, моҳир акробати, уста теннисчиларнинг ўзро мусобақалари катта баҳсга айланди.* Р. Исҳоқов, Эпчиллик ва довюрраклик.

**ТЕНОР** [*p < итал*] муз. Эркакларнинг энг юқори овози. *Тенор товушининг характериға қараб, драматик [кучли] ҳам лирик [юмшоқ] бўлади.* И. Акбаров, Музыка саводи. | Шундай овозга эга бўлган ашулчи. *Хорда тенорнинг овози алоҳида ажралиб туради.*

**ТЕНТАК** 1 Тўғри фикр юрита олмайдиган, ақли норасо, эси паст; аҳмоқ. *Тентак бола.* | *Тентак тўрини бермақ.* Мақол. — *Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди.* «Равшан».

2 Ақлдан озган, телба, девона, жинни. *Оли ойда Марям тентак бўлганмиш, Эшон зишгида шўрлик ўлганмиш.* М. Алавия. — *Вой, вой, тентакми бу қиз? — деди Бегимхон лабини буриб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *Кўча кам қўлл.* Жиловланмаган, асов, телба. *Тентак дарё. — Мен сувингдан куч олсам, Тентак елдан ўч олсам.* З. Днёр.

**ТЕНТАКЛАНМОҚ** кам қўлл. айн. телбаланмоқ.

**ТЕНТАКЛАРЧА** *рви* Тентаклар каби; ақлдан озган, жинни бўлган кишига ўхшаб. [*Отабек*] *ўз-ўзига сўзлашиб, Марғилон кўчаларида тентакларча юзура бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЕНТАКЛИК** тентак с. белги оти. *Ўзини тентакликка солмоқ. Тентаклик қилмоқ.*

**ТЕНТАКҚУШ** Қумурсқа ва хашаротлар билан тирикчилик қиладиган, боши катта, ясси, тумшуги кичикроқ тун қуши.

**ТЕНТИРАМОҚ** Тентирамоқ, дайди моқ. *У кечгача кўчаларда тентиб юрди. — Партизан зотини қиличдан ўтказаман деб бу тоғу тошларда тентиб юрибман.* С. Аҳмад, Хукм. *Ташқарида қор аралаш ёмғир саваламоқда, совуқ шамол тентиб доҳо коридор ичига ҳам ўзини урмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТЕНТИРАМОҚ** 1 Аниқ бир мақсадсиз дайдиб, тентиб юрмоқ, санқимок; бекорга санқиб вақт ўтказмоқ. *У [Эрмат] бутун кун куйиб-ёниб, боши оққан ерларда жинилардай тентираб, хуфтон вақтида бойниқига санқиб келиб қолди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Она-бола яна тентираб кетдилар.* П. Турсун, Уқитувчи. | *Кўча Сарсон-саргардон бўлмоқ, саргардонликда юрмоқ. Сенларнинг зулминедан қанча одамлар тентиради.* *Ўз қишлоғига ўзи сиғмади.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ахир, нима дейсиз, очмиз демай, совуқмиз демай кетингизда бир йил тентирадик.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ? | *Ўз ҳолича, қаровсиз юрмоқ; изғимоқ (уй ҳайвонлари ҳақида).* «*Тарзан*» нимани босарини билмай, ҳар қайққа аланглаб; бароқ думини диккайтирганча беда ичида тентиради. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Юрмоқ, кезмоқ. Кўёш уфққа ошқарди.* *Ўзокда, адирларнинг, сойларнинг бағрида кўчалар тентиради.* Ойбек, Навоий. *У [Кудрат] кўп тентираб чарчагани устига, сингилсини узоқ ёғизлатиб қўйганидан хижолатда эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Кўчама поэт. Кезмоқ, эсмоқ. Даштнинг салқин шомоли тентираб, чодирнинг ипагини энгил мавжлантиради.* Ойбек, Навоий.

2 *диал.* Чарчаш, касаллик ва ш. к. натижасида қайқалиб юрмоқ, гандирак-ламоқ. *У [Сайди] маст кишидай тентираб эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У [Мухторхон домла] ярим йўлгача чамадонларни овоз кўтариб, бардам қадам ташлаб борди-ю, ундан нари ранги оқариб, тиззалари қалтираб, тентирай бошлади.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

3 *диал.* Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; саросимага тушмоқ; эсанқирамоқ. *Жанжалнинг фойдаси шундан иборатки, Эҳсон энгилса тентирайди, ёрдам берадиган киши излайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТЕНТИРАТМОҚ** тентирамоқ *фл. орт. н.* *Бир улгуржи солиқ келиб, Муҳаммадражабни тентиратди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТЕНТИРАШМОҚ** тентирамоқ *фл. бирг. н.* *Эгасиз қолган моллар кўчаларда тентирашиб юрар эди.*

**ТЕОДОЛИТ** [*p < грек*] Бурчак ўлчаш учун ишлатиладиган геодезик ёки астрономик асбоб.

**ТЕБЛОГ** [*p*] Теология бўйича му-тахассис, илоҳиётшунос.

**ТЕОЛОГИК** [*p* теологический] Теологияга оид; теологияга асосланган; илоҳий. *...инсонсиз ва инсондан бурунги идея, абсолют идея идеалист Гегель ўйлаб чиқарган теологик уйдирмадир.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

**ТЕОЛОГИЯ** [*p < грек*] Худо, дин ва диний ақидалар тўғрисидаги диний таълимот, илоҳиёт. *Эксплуататор синфлар реакцияон фалсафий назарияларни тарғиб қилишда теологиядан фойдаланиб келдилар.* — *Теологиянинг эски хурофотларига зид келган табиёт-тарих назариялари ҳозиргача энг қаттиқ курашга сабаб бўлиб келди ва сабаб бўлмоқда.* В. И. Ленин, Марксизм ва ревизионизм.

**ТЕОРЕМА** [*p < грек*] *мат.* Тўғрилиги исбот қилиниши зарур бўлган, аммо ўзи ҳақиқатга асосланган даъво. *Пифагор теоремаси.* — *Тўғрилигига муҳокама йўли билан ишонч ҳосил қилинадиган математик ифода теорема дейилади.* «Геометрия».

**ТЕОРЕТИК** [*p* теоретический] Теорияга, назарияга оид; назарий.

**ТЕОРЕТИК** [*p*] Назарий масалалар билан шуғулланувчи олим, назариячи.

**ТЕОРИЯ** [*p < грек*] айн. назария.

**ТЕПА** 1 Ер сатҳидан баланд, дўнг жой; тепалик, баландлик. *Ер овлоқ бўлса, қўнғиз тепага чиқар.* Мақол. — *Ўктам.. сойликдан жиниуртоб тепага кўтарилди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Алтомши чодирда ўтириб эди, шундай қаради, ҳар қалмоқлар келяпти, калласи канадай, танаси тепадай.* «Ал-поминиш». | *Умуман бошқа жойга нисбатан юқори, баланд бўлган жой. Тепадан қараган кишига бу ариқча илон изидек.. кўринарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор нарсанинг юқори қисми, усти. *Аризанинг тепасига резолюция ёзмоқ. Дарахтнинг тепасида бир қуш ўтирибди.* *Қабр тепасини майса қоплаган. Тентакнинг ўти тепасида ёнар.* Мақол. | *Деворнинг тепа қисми. Тепа тиши.* — [*Йўлчи*] *пиёлада совиб қолган чойни симириб, уйдан чиқар экан, пешанасини ёшиқ тепасига қаттиқ уриб олди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Жалада нима бор сенларга! Ҳамма қанақа ташвишида-ю, сенлар томоша пайида! — деди машина тепасида Бобоқул ота.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Кўп миқдорда уюлган нарсалардан ҳосил бўлган баландлик, дўнглик. *Гўнге тепа. Қул тепа. Кум тепа.* — *Бу тупроқ тепа уч кишининг қабри бўлиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Уч-тўрт юз инсон бошидан турғизилган бир тепа!* А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Киши устидаги бўшиқ, осмон, фалак; юқори. *Самолёт тик тепага кўтарилди. Кўёш қоқ тепага келди.* — *Тепадан офтоб уриб турибди.* С. Аҳмад, Томоша.

Б 3-ш. эгаллик ва ж. к., ў.-п., ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. тепасига, тепасида, тепасидан).

◆ **Тепа сочи тикка бўлди** ғоят ачиққанди, ғазабга келди. — А? — Раҳимнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзлари қинидан чиқаяёди. — Бекор! Ҳаммаси бекор. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тепасига чиқмоқ** (ёки минмоқ) ўз ҳукмини ўтказмоқ, бошига чиқиб олиб менсимай қўймоқ. **Икки қўли бир тепада** бошни чангаллаб; афеус-надомат қилиб; доғу-хасратда. [Мастура:] *Домо ҳузур-ҳаловати шуларга-ю, икки қўли бир тепада мен қоламан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ТЕПАҚАЛ** Бошининг тепа қисмидаги сочи тўкилиб кетган, силлиқ. **Тепакал одам.** — Кичкина дўпписи қоплай олмаган тепакал боши ҳозиргина пардозланган сариқ этикнинг тумшугидай ялтирар эди. А. Қаххор, Сароб.

**ТЕПАЛАМОҚ** 1 Нарсаларни бир ерга уйиб балаңд қилмоқ, балаңдлик ҳосил этмоқ. *Қўлида тепалаб жазиллама қайноқ сомса уюлган лаганини кўтариб оқсоч кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ҳавога, осмонга кўтарилмоқ, балаңдламоқ. *Ракета тепалаб кетди. Қуш тепалаб учди. Снаряд тепалаб ўтди.*

**ТЕПАЛИК** Қатта ва балаңд жой, балаңдлик, дўнғ, тепа. **Тепаликка чиқмоқ.** **Тепаликни эгалламоқ.** — *Узоқдаги тоғлар ва тепаликлар тусларини йўқотиб, тобора қуйилаётган тун кучоғига сингиб бормоқда.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТЕПАСИГА** кўм. вазифасида Бошига, қошига, хузурига, олдига, ёнига. *Умурзоқ ака келганда, болалар ётиб қолишган эди. Умурзоқ ака балаңд қомагини эзиб, кўн этигининг учини аста-секин босиб болалар тепасига келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ярим соат ўтар-ўтмас Олахўжа ишишиб ўлган ҳўқизнинг тепасига ҳарсиллаб ётиб келади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Қампир дарёнинг тепасига бориб, оғзини очганча, чумолидек ўрмалаб ётган одамларга маҳлиё бўлиб қолди.* Ойдин, Ширин келди.

**ТЕПАСИДА** кўм. вазифасида Бошида, қошида, хузурда, олдига, ёнида. *Беморнинг тепасида онаси ўтирибди. Ишнинг тепасида бўлмоқ.* — *Хон бир беғуноқ одамни ғазабига олиб, тошибўрон қилдирибди, тош отмаган одам қолмасин, деб ўзи тепасида турибди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТЕПАСИДАН** кўм. вазифасида 1 Бирор иш, воқеа-ҳодиса юз бераётган жойда ва пайта. *Жанжалнинг тепасидан чиқмоқ.* — [Холмат:] *Яхши ҳам келибман, йўққа зифат деб, нақ жанозангизнинг тепасидан чиқар эканман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 айн. устидан 3. *У юз киши тепасидан раҳбарлик қилади.* — *Мадамин... тўрт хотинини тўрт томондаги ер,*

моллар, хизматкорлар тепасидан ҳоким қилиб қўйди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТЕПАҒОН** айн. тепонгич. **Тепагон** от.

**ТЕПИЛМОҚ** тепмоқ 1 фл. мажҳ. н. *Лой яхши тепилди* — яхши пишитилди. — *Энди у [Ҳожи хола] бир вақтлардаги Ҳожихон сингари севилиб суркалмас, қари итдай тепилар, урилар, сўжиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЕПИНМОҚ** тепмоқ 1 фл. ўзл. н. **Ер тепинмоқ** 1) туёғини ерга уриб ер ўймоқ (туёқли хайвонлар ҳақида). *Қорабайир турган ерида ер тепиниб чайқалди ва заасининг мақсадини тунушиб, ўзини отхона ичига урди.* Ҳ. Ғулом, Машғал; 2) норозилик, ғазаб ифодалаш учун ёки дўқ уриб оёғини зарб билан ерга урмоқ, депсинмоқ. *У [Турсунқулнинг отаси] бир неча марта бой олдига келиб, бирор нарса беришни сўради, лекин бой бақриши ва ер тепинишдан бошқани билмас эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётигим ҳиссаси.

**ТЕПИШМОҚ** 1 тепмоқ 1 фл. бирг. н. *Улар лой тепишляпти.*

2 Тепкилашиб уришмоқ. *Арзимаган нарса устидан масалахонлик қилиб, бир-бирлари билан талашади. Қўйверсанг, хўроздай парт-парт тепишмоқчи бўлишади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бир кўрпада тепишиб катта бўлган** (ёки ўсган) айн. бир кўрпада тепкилашиб катта бўлмоқ қ. тепкилашмоқ 2. *Мансурхон унинг [Салимбойнинг] ёшлик ўртоғи, бир кўрпада тепишиб ўсган.* С. Абдуқаххор, Арғамчига қил қувват.

**ТЕПКИ** 1 I Оёқ билан берилган зарб, тепиш. *Худойқул бир нафас гинишиб ётди. Тепкидан оғриган жойларини секин-аста силади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Бола кўрсатилган иккинчи сўзни йўқийман деб тураанда, синф эшиги қаттиқ тепкидан ланг очилиб, ичкарига совуқ ёпирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тепки емоқ** 1) тепки зарбига учрамоқ, тепилмоқ. *Мамарайим эғасидан тепки еган итдай орқага чекинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) хўрланмоқ. [Йўлчи:] *чидай олмадим, мулла ака.. Мен ҳам одам фарзанди, тоқайгача тепки ейман.* Ойбек, Қутлуғ қон. **От тепкисини от кўтаради** 1) тенг кучлилар бир-бирига бас кела олади. — *От тепкисини от кўтаради деганларидек, чўл йигити эмасми, «Қоплон бос!» — деди-ю, чўқмор таёғи билан бўриларга қарши атака қилди.* А. Мираҳмедов, Ҳўқитувчи; 2) яқин кишининг койигани, ургани ёки сўккани ботмайди, қаттиқ теғмайди. [Турсунов:] *Ўз жиянингиз, қуйганидан гапиргандир. От тепкисини от кўтаради. Бурага ачиқ қилиб кўрпани куйдириш яхшимас.* Ҳ. Назир, Қуруқ ёғоч ҳам эгилади.

2 Тўп, замбарак каби отиш қуролларидан ўқ узилганда орқага берадиган зарби. *Тўпнинг тепкини камайтирадиган қурилмаси.*

3 Ўқ отадиган қуролларнинг отиш механизмини ишга соловчи қисми. *Пулемёт тепкиси. Тўплонча тепкиси.* — «*Отайми, отмайми!*». Ўнг қўлининг бармоғини милтиқ тепкисига юбориб, уни босаётган жойда яна тўхтади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Маҳаллий тўқниш дастгоҳининг оёқлар билан галма-гал босиб, дастгоҳни ишга тушириш учун хизмат қиладиган қисми; педаль. *Ҳожияхон бўз тўқини энди ўрганган, ўнг қўли тасма галтакни тортса, чап оёғи тепкини босолмас, ўнг оёғи тепкини босса, чап қўли гулани жуфтлолмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Дастгоҳ педалини босганда тўқилиб, зичланган моки ипи. *Атласнинг тепкиси қанча кўп бўлса, абр безакдан олинадиган таассурот шунчалик зўр бўлади.* С. Маҳкамova, Атлас жилавасининг сири. **Саккиз тепки атлас қалин**, юқори сифатли атлас. *Яна юриб кетади саккиз тепки гул атлас, Чивик беқасамларнинг олағовур бозори.* Ғ. Ғулом. **Тўрт тепки атлас** юқароқ, сифатсизроқ атлас. | эск. айн. педаль. *Велосипед тепкиси. Тепки арава велосипед.*

**ТЕПКИ** II мед. 1 Қулоқ, томоқ олди безининг яллиғланиши билан кечадиган юқумли болалар касаллиғи. *Тепки кўпроқ қиш, баҳор фаслларига учрайди.* И. Фозилов, Тепки.

2 Баъзи касаллик туфайли пайдо бўладиган майда, пуфакчасимон қизил доғлар; тошма, гул. *Қизилча касали.. юқадиган бўлиб.. иккинчи кунда кишининг танига қизил тепкилар чиқади.* Тоҳирий, Соғлиқни сақлаш.

**ТЕПКИЛАМОҚ** I Оёғи билан кетма-кет зарб бермоқ, такор-такор тепмоқ. *Бир-бирини тепкилаб уришмоқ. Тепкилаб лой пишитмоқ.* — *Гўнғ аравага роса тепкилаб босилган, ғилдираклар юк зўридан ғижирлар, қўш от уни базўр тортар эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламани. *Эртадан буён Ермат бу кўчани дастакли супурги билан қиртишлайди, чуқурчаларга тўпроқ солиб, тепкилайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Босиб пайхон қилмоқ, йўқ қилмоқ; топтамоқ. *От туёғи тепкилаб кетган Лолазорлар ўтар ҳаёлдан.* Ҳ. Шарипов. [Афанди] *ҳўқизни тутди, уйига олиб кириб: «Жаззойи киши бировнинг экинини тепкиласин!» — деб сўйиб юборди.* «Латифалар».

3 кўчма *Хўрламоқ, камситмоқ.* **ТЕПКИЛАНМОҚ** тепкиламоқ фл. мажҳ. н. *Мазлумларнинг, ҳақоратланганларнинг, тепкиланганларнинг улғ, азамат кунни туғилганида унда шубҳа қолмади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Чолга ачиндим. Инсоннинг қалби нақ оёқ остига олиб тепкиланар экан.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТЕПКИЛАШ** I тепкиламоқ фл. иш оти. *Лой тепкилаш.*

2 Бир-бирини тепиш, бир-бирини тепиб урушиш. *Мирзахонада.. бир яхши тепкилаш бўлади.* «Фольклор»

**ТЕПКИЛАШМОҚ** I тепкиламоқ *фл. бирг. н. Йигитлар лой тепкилашди.*  
2 Бир-бирини тепмоқ, бир-бирини тепиб уришмоқ. Бир кўрпада тепкилашиб катта бўлмоқ. Хайдар, Қўчқор, Қамол бир кўрпада тепкилашиб катта бўлишган, ораларидан қил ҳам ўтмай диган дўст эдилар. Уйғун, Хуррият.

**ТЕПКИЛИ** I Тепки воситасида ишлайдиган, тепкиси бўлган. *Тепкили милтиқ.* | Тепкиси, педали бўлган, педали. *Тепкили дастгоҳ.* Тепкили арава.

◆ Саккиз тепкили атлас. *айн. саккиз тепки атлас қ. тепки I 4.— Саккиз тепкили,— деди қори атласнинг қизига бармоғини тиқиб.* А. Қаххор, Қўшчанор.

**ТЕПКИЛИ** II: тепкили терлама бит орқали юқадиган оғир юқумли касаллик, тиф касаллиги.

**ТЕПКИЛИК** Бир тепкигагина бардош бера оладиган, бир тепки еса тугайдиган. *Тепманг аямни, дада, бир тепкилик ҳоли бор бечоранинг!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЕПЛИЦА** [р] Усимликлар ўстириш учун қурилган ойнавон иссиқ бино; иссиқхона. *Бу жойдан колхоз клуби, ГЭСи, теплицадан тортиб электр тегиримонигача кўринар экан.* А. Муҳиддин, Ошналар. *Қолхозда теплица хўжалиги тикланиб, табиий газ билан ишлашга кўчирилди.* Л. Эргашев, Ҳар соҳада пешқадам.

**ТЕПЛОВОЗ** [р] Ички ёнишли двигателъ ёрдами билан юрадиган локомотив. *Енгил самол қардандир тепловоз худогини олиб келди.* Ҳ. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

**ТЕПЛОИЗОЛЯЦИЯ** [р] I Турли иншоот ва қурилмаларни иссиқ таъсиридан сақлаш ҳамда иссиқликнинг йўқолишига йўл қўймаслик учун иссиқлик ўтказмайдиган материал билан қоплаш, ўраш.

2 с. т. Шундай мақсадда ишлатиладиган ўраш материали.

**ТЕПЛОТЭХНИК** [р] Теплотехника мутахассиси.

**ТЕПЛОТЭХНИК** [р] теплотехнический] Теплотехникага, саноат йўли билан иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш техникасига доир. *Кўмирнинг теплотехник сифати. Теплотехник ҳисоблаш методи.*

**ТЕПЛОТЭХНИКА** [р] Техниканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва маиший эҳтиёжлар учун иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланадиган соҳаси.

**ТЕПЛОФИКАЦИЯ** [р] Саноат корхоналарида, мас. завод, комбинат, иссиқлик электр станцияси ва ш. к. да ҳосил қилинган ва ўз ишини бажаргач, ортиб қолган буг ёки иссиқ сувдан турар жой ва корхоналарни иситиш учун фойдаланиш. *Теплофикация — бу ишини бажарган буг энергияси билан турар жойларни ва корхоналарни мар-*

*казлаштирилган йўл билан таъмин қилишдир.* «Физика».

**ТЕПЛОФИКАЦИЯЛАШТИРИЛМОҚ** теплофикациялаштирмоқ *фл. мажх. н. Ёғ заводига яқин турар жой бинолари теплофикациялаштирилди.*

**ТЕПЛОФИКАЦИЯЛАШТИРМОҚ** Уй-жой, корхона ва ш. к. нинг саноат корхоналаридаги ортиқча иссиқ сув ёки буг билан иситмоқ.

**ТЕПЛОХОД** [р] Ички ёнишли двигателъ ёрдами билан юрадиган кема. *Хўжайли пристанига келган пароходлар, теплоходларнинг кети узилмайди.* Р. Ешимбетов, Дарға.

**ТЕПМОҚ** I Оёқ билан зарб бермоқ. *Қоптоқ тепмоқ. Эшикни тепиб очмоқ. Итти қопмас деб бўлмас, отни тепмас деб бўлмас.* Мақол. — У [Соли совуқ] шошиб-пишиб Азим бойваччани кўкрагидан итариб эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.

2 Оёқ босиб, тепкилаб бирор иш қилмоқ. *Том тепмоқ. Лой тепиб пишитмоқ.* — Кечалари шинни учун узум тепадилар, кундузи уларни аравадаб ишарга ташийдилар. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

3 Уқ узиш пайтида зарб билан орқага силжимоқ (отиш қуроллари ҳақида). *Бу милтиқ қаттиқ тепар экан.*

4 Ритмик ҳаракат қилмоқ, дукилламоқ, урмоқ (торак ва қон томирлари ҳақида). *Юрагим гурс-гурс тепади.* — Улар [йигит билан қиз] дарвоза тағига ўтирдилар ва шу зайл бир неча вақт нафасларини ютиб, гўё бир хилда тепаётган қалбларини тинглаб, индамай қолдилар. П. Турсун, Уқитувчи. *Башорат ўзининг оқариб кетганини сезди, чакка томирларида қон гупилаб тепарди.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

5 Кўчма Тепага, юзага кўтарилиб, сизиб чиқиб кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ. *Қизамиқ сиртега тепди. Сизот сувлар ер бетига тепиб чиқди. Қалб қайноқ бўлса, олов сиртега тепади.* Мақол. — *Тер кучли ишқорли реакция беради ва у танага тепиб шўрга айланади.* Э. Маҳмудов, Терлаш ва унинг аҳамияти. *Нима учундир юраги ҳовлиқар, тез-тез ураб эди. Юзига қон тепган. Шухрат, Шинелли йнлар. Онанинг дили ўғлининг юзига тепиб чиққан аламли норозиликни, аниқ бўлмаса ҳам, дарров сезган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ Белига тепмоқ қ. бел. Улганнынг устига тепган (ёки кўмган) қ. уст. **ТЕПОНҒИЧ** Тепиш одати бор, тепадиган, шатталаб юборадиган; тепафон. *Тепонғич сизир. Тепонғич от.*

**ТЕПСА-ТЕБРАНМАС** с. т. Ҳеч гап кор қилмайдиган, бирор иш қилдириш жуда қийин бўлган, ортиқ даражада беғам, бепарво; оғир карвон. *Тепса-тебранмас одам.* — *Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириш, баъзи тепса-тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак?* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТЕПСИНМОҚ** айн. депсинмоқ. **ТЕПТИРМОҚ** тепмоқ *фл. орт. н. Лой тептирмоқ.*

**ТЕПЧИК** Дўппи, тўп ва ш. к. нинг махсус қавиғи; ипини сиртига чиқармай тикиладиган майда қавиқ. *Дўппи тепчиғи. Тепчиғи йирик дўппи.* | *Тепчик иена.* — *Жуда кўпол бир тепчик, Тепаси чўққи, кичик, Қизага салкам сара, Жияғи ўн уч иллик.* Ғ. Ғулом.

**ТЕПЧИКЧИ** Дўппи, тўн ёқаси ва ш. к. ни майдалаб қавийдиган, тепчийдиган киши. *Тепчикчининг бошида Каттагина кўреулик! Уйдан чиқмиши яқинда Арслондай йиғит-ўлик.* Ғ. Ғулом.

**ТЕПЧИМОҚ** I Дўппи, ёқа ва ш. к. ни ипни сиртага чиқармай майда қавиқ, тепчиғини тикмоқ. *Дўппи тепчимоқ.* — *Онам лампа ёнига ўтириб, жияк тепчиғига киришди.* Ойбек, Бодалик.

2 Тўрлаб тикмоқ, чатмоқ. *Қостюмнинг миҳ илган жойини тепчиб қўймоқ.*

**ТЕПЧИМОҚ** II Юзага тепиб, сизиб ўтиб кўринмоқ; юзага тепмоқ. *Доканинг ҳар ер-ҳар ерига тепчиб чиққан қонга кўзи тушиб ва шундагина бутун бадани зирқираб оғриётганини, айниқса, кўкрагининг ўнг томони кучлироқ оғриётганини сезди Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ТЕПЧИТМОҚ** тепчимок I *фл. орт. н. Дўппи тепчитмоқ.*

**ТЕПЧИШМОҚ** тепчимок I *фл. бирг. н. Бу қизлар ҳар кунни ўнтадан дўппи тепчишади.*

**ТЕР** Терг остидаги махсус безлар ажратадиган сувсимон шаффоф суюқлик. *Баданидан тер чиқди. Терга боти-моқ. Пешанасини тер босди. Авзойи-баданидан тер қуйиларди. Тер безлари.* — *От йўрттириб Юсуф Мадғров келиб қолди. У ҳамон темирйўлчи кийимида — венида қора китель, терининг шўри елкасида оқариб ётарди.* Ш. Тошматов, Эрк қўши. *Адолат маставадан бир-икки қошиқ ичди. Уйнинг димлигиданми ёки оғриқ азобиданми, унинг пешанасида майда тер томчилари ялтирарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Салдов тортиб чўқардим ерга. Тушар. эдим қоп-қора терга. Ғайратий. Пешана тери қ. пешана. Тер тўқмоқ*

1) баданидан кўп миқдорда тер чиқармоқ, жуда кўп терламоқ. *У тер тўқиб ишлади.* — *Низомжон унга [Икромжонга] ёлворгандек қаради: — Мени ёнг оғир ишга қўйинг, илтимос қиламан. Эл қатори ишлаб тер тўқай.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) кўчма астойдил ишламоқ; оғир меҳнат қилмоқ; меҳнат, куч сарфламоқ. [Болтабой:].. *бола пақир бугун жуда тер тўқди.* А. Қаххор, Қўшчанор. **Жон терига тушмоқ** 1) қаттиқ тиришмоқ, бор кучини сарфламоқ. *Жон терига тушиб ишламоқ;* 2) қаттиқ азобланмоқ, азобнинг зўрлигидан мажолсизланмоқ, холдан тоймоқ. *Отлар жон терига тушиб кишинанларича йиқила бошлади, оёқлари*

от остида қолган суворилар ҳам мерганларнинг ўқини еб, ер тишлаб қолавердилар. М. Осим, Искандар ва Спитамен.

**ТЕРАК** Толлар оёнасига мансуб, пўслонги кўкиш ёки оқиш, баланд дарахт. Оқ терак. Тоғ тераги. Кўк терак. ■ Боғнинг қуйи томонида бир чизикда саф тортган баланд, адил тераклар. Ойбек, Қутлуг қон. Осмон бегубор. Қуёш-терақ бўйи кўтарилиб қолган. О. Ёқубов, Бир фельдтон қиссаси. Бақа терак айн. бақате-рак. Мирза терак айн. мирзатерак II.

**ТЕРАКЗОР** Нуқул тераклар билан банд жой, терак экилган майдон. Қуёш теракзор орқасига ботаётган, ғарб уфқига алвон ранг шафақ ёйилган ажиб оқимом эди. Х. Ғулум, Машғал. Ғулумжон.. даладаги теракзордан тўртта бақатеракни кесдириб, тахта тилдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЕРАН** кт. I Бирор жойдан, мас. ернинг сатҳидан анча пастга — чуқурликка ўтиб кирган ёки анча пастдан — чуқурликдан бошланадиган; чуқур, чўнқир. Ернинг теран қатламлари. Теран дарё. Теран қудуқ. [Теран булоқ. ■ Унинг [М. Қосимовнинг] қиёфаси ва юриш-туришига сахро сокинлиги, теран қатламлардан нам юк топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга ўхшарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Харсаненинг тағидаги тиниқ булоқ виқир-виқир қайнаб чиқмоқда. У ниҳоятда терандек туюлади. С. Анорбоев, Яйловда. | Кўйма Тез йўқолиб кетмайдиган, узоқ вақт сақланадиган. Унутма, у кунлар юракка теран Из солди, боғларда гуллар теришидик. Ғ. Шоди.

2 Кўйма Мазмунни жиҳатидан жуда чуқур, тағига етиб бўлмайдиган. Теран фикр. Романнинг теран мазмуни. ■ Оналар, фақат масъуд оналаргина гўдак йиғисидоги теран мағноларни англай олиши мумкин. Э. Охунова, Ҳаёт гуллари. | Чеки, поёни йўқ; чексиз, чуқур. Икки кўзим сенинг йўлида, Узим теран ҳаёлга ботдим. Ғ. Шоди. Аму тўлқинлари каби оҳангдор, Унинг Ойсанамга теран ишқи бор. Миртемир. Орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Ҳамроев ўша бир жуфт кўзни ҳам хижолатлик, ҳам теран ҳурмат билан эслаб келди. С. Аҳмад, Оналар.

3 Ҳар томонлама, атрофлича, асосли, чуқур. Теран билим. || Ҳаёл денгиз бўлди, мен эса елкан, Теран ййлаб кетдим унинг ҳақида; Олтмиш ёшга кирган кекса коммунист Умрин ўтказади юрт хизматида. М. Икром.

**ТЕРАНЛИК** теран с. бели оти. Денгиз тубининг теранлиги. Ғоянинг теранлиги. ■ Портрет асарлари характерининг ёрқинлиги, қахрамон ҳиссининг теранлиги билан чеараланиб қолмайди. А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.

**ТЕРАПЕВТ** [р] Ички касалликлар-

ни аниқловчи ва даволловчи врач. З. И. Умидова ҳозирги вақтда республикамизнинг энг йирик терапевтларидан биридир. О. Ризаев, Врач — олима.

**ТЕРАПИЯ** [р<грек] Медицинанинг ички касалликларни аниқлайдиган, даволаш йўлларини ўрганадиган ва даволайдиган бўлими ҳамда шундай касалликларни даволаш усуллари. Юрак терапияси. Терапия курси.

**ТЕРБИЙ** [р] Химиявий элемент, лантаноидлар группасига мансуб металл.

**ТЕРГАЛМОҚ** тергамоқ фл. мажҳ. н.

**ТЕРГАМОҚ** I Текширмақ, назорат қилмоқ. Хизиров кибрик билан: «Маорифнинг ишини тергай олмайсиз. Нима қилсам, ўзим биламан»,— деди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Мастура:] Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғирлик қилган фуқароларининг терамайсан? А. Қаххор, Башорат. | Уз эркига қўймай ҳар бир қадамини, юриш-туришини таъқиб остига олмоқ; кузатмоқ, сурништирмақ. Чол болаларнинг ноҳўй ҳаракатларини тергаб, мудирга етказиб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қайлиқ сизники бўлгандан кейин, тераши, тийиш ҳам сизники-да. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Ҳамага адолат қилдинг, Қорахон, Терамадинг бузук, баттол қизингни. «Равшан». | Ножўя ҳаракатлари учун коймоқ; койиб, уришиб ёмон йўлдан қайтариб турмоқ, кутмоқ. Мен сизга ўғилман, фарзандингизман. Уришишга, сўқишга, тергашга ҳаққингиз бор. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 рд. Тергов қилмоқ; тергов, сўроқ қилиб аниқламоқ. Қўрбоши эса Отабекнинг устида ҳали бунчалик тергашлар борлиги учун ўзини бир оз тўхтатиб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕРГОВ** юр. Жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини текшириш; сўроқ қилиб ҳамда бевосита ва бовосита далиллардан фойдаланиб аниқлаш. Дастлабки тергов. Тергов органлари. Тергов натижаси. Тергов ўтказмоқ. ■ Шербек районга жўнади. Уни яна терговга чақиртиришган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Район тергов идораларининг вакиллари томонидан жиноят содир бўлган жойда текшириш ўтказилиб, тегишли актлар тузилгандан кейин, жасадни арвагага солиб қишлоққа олиб келдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Тергов қилмоқ** 1) жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини аниқлаш учун бунга алоқадор кишиларни сўроқ қилмоқ. Айбдорни тергов қилмоқ. ■ У [мингбоши] аввало Ғулумжонни энг ичида тергов қилиб, энг ичида жазо бериш-у, шу билан ундан ўч олиш.. ниятида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини аниқлаш учун бунга алоқадор бўлган далил ва ҳужжатларни атрофлича ўрганоқ, текширмақ. Бу

пшни ўзингиз тергов қилинг. Кечиктирадиган иш эмас. И. Раҳим, Ихлос; 3) с. т. умуман бирор воқеа, ҳодиса. иш-ҳаракат юз берган шароит, унинг сабаблари ва ш. к.ни аниқлаш ҳамда бундай ҳаракатдан тийиш мақсадида бировни сўроқ қилмоқ; сурништирмақ. Дадаси уни [Низомжонни] уйда бошлаб кирди-ю, ўтказиб тергов қила кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТЕРГОВСИЗ** рви, юр. Сўроқ, тергов қилмай ёки бўлмай, сўроқсиз, бесўроқ, бетергов. Терговсиз қамоқда ётмоқ.

**ТЕРГОВЧИ** I юр. Бирор иш юзасидан дастлабки тергов ўтказувчи лавозимли киши. Прокуратура терговчиси. Халқ суди терговчиси. ■ Райондан келган терговчи уч кун овра бўлиб жиноятчиларнинг изини тополмади. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 с. т. Бировнинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини назорат қилиб, сурништириб, тергаб турувчи; ноҳўя ишдан, йўлдан қайтарувчи. Нишонбойнинг кўллари ваҳишгина чақнаб шангиллади: — Ҳа, сен терговчимми менга? Бор-бор, ўша... П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТЕРГОВЧИЛИК** терговчи с. касб оти. Терговчилик қилмоқ. ■ Текширишни жуда яхши кўрасиз-а, домла! Илгари терговчилик ҳам қилганмисиз, дейман? М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

**ТЕРДИРИЛМОҚ** тердирмоқ фл. мажҳ. н. Бу йил қулуннай эртароқ тердирилди.

**ТЕРДИРМОҚ** термоқ фл. орт. н. Олма тердирмоқ. Қошини тердирмоқ. ■ Қизик, пахталар ҳеч терилганга ўхшамайди-ку! Хали ҳам тердирганингиз йўқми, ота? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Вагонларни тердириб қатор, Қўмирларни қулатар яхлит. Ё. Мирза.

**ТЕРИ** I I Одам ва ҳайвон танасининг ташқи қопламаси, пўсти. Қуёнинг терисини шилмоқ. Тери касалликлари. Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озар. Мақол. ■ Гўё [Отабек] устидан бир челақ қайнаган сувни ағдарган эдилар-да, бутун териси оёғига сидирилиб тушган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Молнинг, ҳайвоннинг шилиб олинган пўсти. Шу ерда ишлайдиган одамлардан бири, йўқчилик важҳидан, бир кунни бола-чақаси билан отнинг терисидан шўрва қилиб ичибди. А. Қаххор, Миллатчилар. Хон бориб арслон терисига ўтирди, Арслонбекни ўзининг ўнг томонига олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Мол пўстидан махсус ишлов бериб тайёрланган материал; чарм, кўн. [Шокир ота].. терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди. Ойбек, Қутлуг қон. Уйда бир оз тери бор. Аммо таг чарм йўқ. Ойбек, Қутлуг қон.

3 кам қўлл. Пўст, пўчоқ. Териси

қалин қовун. — Боғдаги.. анорлар терисига сиғмай тарс-тарс ёрилади. Ё. Шукуров, Уч савол.

◆ **Териси юпқа гапга, танқидга, танбехга чидамайдиган;** гап кўтармайдиган. Химм, териси юпқа, аёл эмасми, шу гап баҳона бўлибди-ю: «Мени Советдан бўшатиб қолоқ бригадага юборасизлар», деб туриб олибди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Териси қалин гап, танқид, танбех кор қилмайдиган;** унча-мунча гапни эламайдиган. **Телбанинг териси қалин.** Мақол. **Терисига сиғмай кетди** 1) гоят семириб кетди. Боқилган моллар терисига сиғмай кетибди; 2) гоят хурсанд бўлди. Элибек бу хабардан терисига сиғмай кетди. Ҳар ҳолда, дастлабки ғалаба. А. Мухтор, Туғилниш. **Терисига сомон тикмоқ қаттиқ жазоламоқ,** ўлғудай урмоқ. Қиз аввал кўрқди, отаси унинг Сидиқжон билан сўзлашиб турганини эмас, боққа тушганини билса ҳам, терисига сомон тикади — бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Терисини шилмоқ (ёки шилиб олмоқ)** бор-йўғини қоқлаб олмоқ, ҳамма нарасини тортиб олмоқ. Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфица ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг терисини шилса, .. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕРИ II** Хамирни юпқа ёйиб, уч бурчак, тўрт бурчак шаклида кесиб, ёгда пиширилаётган таом. [Икром:] Ҳа, хоҳлайсизми, мен сизга тери келтириб берай. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЕРИЛМОҚ I** термоқ фл. мажҳ. н. Мевалар ўз вақтида терилди. Жавонларга китоблар терилган. Тош терилган кўча. Эълон йирик ҳарфлар билан терилибди. — Гулларнинг ҳам шамол ўлмаганлари терилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Очиқ осмонда юлдузлар қора мовут устига терилган бриллиант каби ярқирар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Қирларда майсалар ўсма кўйган қизлар қошидек терилди, подалар изғишиб қолди. Ойдин, Ширинга мактуб.

**2 термоқ 7 фл. ўзл. н.** Команда аъзолари роса терилибди.

**ТЕРИМ** Ҳосилни териб, йиғиб олиш (асосан пахта ҳосили ҳақида). **Биринчи терим.** Иккинчи терим. Терим машинаси. Бу йил терим эрта бошланди. — Районда биринчи бўлиб «Гулистон» [колхоз] теримга тушди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЕРИМЧИ** Далада етилган пахта ҳосилини қўл билан териб, йиғиб олувчи. Илгор теримчилар. — У икки қўллаб терувчи, чевар теримчи. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг пахтазорига.. бошлаб кетди. М. Исмоний, Фарғона т. о. || Атлас кўйлак яршиар Теримчи қиз бўйига. План тўлганда келинг Пахтахоннинг тўйига. Уйғун.

**ТЕРИФУРУШ** Тери олиб сотувчи, тери савдоси билан шуғулланувчи одам. Қимсан — терифуруш, фалончи бой. Ойбек, Қутлуғ қон. **Терифуруш бойнинг уйига тушсанларга қаттиқроқ тайинланг,** .. энасининг уйдек бахузур ётверишимасин. К. Яшин, Тор-мор.

**ТЕРИШ** термоқ фл. иш оти. Пахта териш. — [Отабек ва Али] қирни айланиб, бинафша териш учун кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕРИШМОҚ** термоқ фл. бирг. н. [Болалар] қоплардан, яшиқлардан тўкилиб, тупроққа, лойга қоршанган меваларни теришди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Урик теришаман, шафтоли қоқи солишаман,** картошка теришаман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ТЕРЛАМА** Кучли иситма чиқариш, қалтиратиш билан характерланадиган оғир юқумли касаллик; тиф. **Ич терламаси** ичакка тиф микробларининг кириши билан ҳосил бўладиган оғир иситмали касаллик; тифнинг бир тури. **Тепкили терлама.** Тошмали терлама. **Қайтармали терлама.**

**ТЕРЛАМОҚ I** Баданидан тер чиқармоқ, терга ботмоқ. **Бемор терлаб ётарди.** — Сунбулла ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан Зайнаб маржон-маржон терлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ғози бир пиёла ароқни шимирди-да, ачиқ қовурма шўврани ичиб, бир оз ўраниб ётгач, терлади** И. Раҳим, Ихлоос.

**2** Тер билан қопланмоқ, терчиламоқ. **Дераза ойналари терлапти.**

**3 кўчма с. т.** Астойдил меҳнат қилмоқ, тер тўкмоқ. **Бир дунё иш бор экан, кўп терлайсиз ҳали.** **Терлаб-пишиб** 1) терга ботиб; 2) уриниб-суриниб, тиришиб; жон-жаҳд билан.

**ТЕРЛАТМОҚ I** терламоқ фл. орт. н. Дори беморни роса терлатди. — Ғашт айлаб келибсан неча чўлардан, От терлатиб чиқиб узоқ йўллардан. «Рустам».

**2 кўчма с. т.** Астойдил, тиришиб ишлашга мажбур қилмоқ. **Оқбиллак оймичаларни бир терлатайлик.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**3 кўчма с. т.** Уялтириб, қизарттириб, терга ботириш. **Улар [стахановчилар] лўнда гаплар билан қоқоқ цех бошлиқларини роса терлатдилар.** А. Мухиддин, Ҳадя.

**ТЕРЛАШМОҚ** терламоқ I, 3 фл. бирг. н. Ҳашарчилар роса терлашди.

**ТЕРЛИ** Тер билан қопланиб турган. **Терли қўл.** Терли юз.

**ТЕРЛИК** Эгар ёки тўқим тагидан қўйиладиган қалин намат парча. **Бисмилло деб солди отнинг устига** Қимхоби майдан бўлган терликни. «Алломиш».

**ТЕРЛОҚ** Тез терлайдиган, доим терлаб турадиган. **Терлоқ оёқ.**

**ТЕРМА I** сфт Саралаб-саралаб йиғиб, бирлаштириб ташкил этилган, тузилган. **Терма футбол командаси.** — Қапсанчиларнинг кўпчилиги пахта

билмагани учун, бу экинни унча-мунча биладиган одамлардан терма бригадалар тузишни, бу бригадаларга тажрибали қарияларни бригадир қилиб тайинлашни таклиф қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** от Бахшилар айтадиган кўшиқ турларидан бири. **Фозил Йўлдош ўғли турли маззуларда термалар ва достонлар айттар эди.** «Ватан адабиёти». Унинг [Тўхтағулнинг] ўланларида, термаларида сибсий жўшқинлик ҳужмрон эди. Ҳ. Нурий, Улуғ оқин.

**3** от Умуман оғзаки халқ ижодига мансуб шўх, ҳазиломуз ёки лирик, одатда тўрт мисрали туроқлардан иборат кўшиқ ёки шеър.

**ТЕРМАКАШ I** Терма ижод этувчи ва айтувчи халқ шоири.

**2** Бошқаларнинг асарларидан терма қилувчи адиб. **Шошма, ҳали қўллари қанотини ёзгани йўқ; мана бу термакаш** Усаржонни четга чиқариб қўяман. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЕРМАЛАМОҚ** кам қўлл. Ҳар жойдан оз-оздан териб йиғмоқ.

**ТЕРМАЧИ I** айн. термакаш.

**2 тар.** Табиий равишда етишган мева, илдизмава каби емишларни териб-йиғиб тирикчилик қилувчи. **Археологик текширишлар шунни кўрсатадики, сўнги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ва деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган.** И. Жабборов, Кўхна харобалар сири.

**ТЕРМИК** [р термический <грек] тех., хим. Иссиқлик билан ишлов беришга оид, шундай ишлов бериш учун белгиланган. **Термик печь.** Пўлатни термик ишловдан ўтказмоқ. **Термик ишлов бермоқ.**

**ТЕРМИЛИШМОҚ** термилмоқ фл. бирг. н. Улар бир-бирларига термилишиб қолдилар. — Бечоралар термилишар йўлимга. «Фольклор». **Бириси ҳам [Отабек ҳам, Кумуш ҳам] сўзлай олмас, фақат термилишар** эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕРМИЛМОҚ** Кўз узмасдан узоқ қараб қолмоқ, тикилмоқ; умид билан, суқланиб ёки кўз жовдиратиб қармоқ. **Асрора узоқларга термилиб туриб аланамаларни ўйларди.** С. Аҳмад, Уфқ. **Чоғ ўғлининг ўйчан кўзларига термилиб, Ботиралидан гапирга кетди.** Ҳ. Ғуллом, Машғал.

**ТЕРМИЛТИРМОҚ** термилмоқ фл. орт. н. Йўлдошга меҳмонни термилиштириб қўйиб, иш қилиш жуда ноқулай кўринди. Шўхрат, Шинелли йиллар.

**ТЕРМИН** [р <лат] Фан, техника, касб-хунаarning бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. **Ботаника терминлари.** **Заргарлик терминлари.** **Пахтачилик терминлари.** — Йўлдош.. Элмуродга нотаниш терминларни.. тушунтира кетди. Шўхрат, Шинелли йиллар



**ТЕРМИНОЛОГИК** [р терминологический] Терминологияга, терминларга оид. *Терминологик луғат. Сўзнинг терминологик маъноси.*

**ТЕРМИНОЛОГИЯ** [р<лат+грек] 1 Фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасида қўлланидиган терминлар жамун. *Техника терминологияси. Ҳарбий терминология. Илмий терминология. Ўзбек тили терминологияси.* ■ Қори ака фанлар ичида аввало математикани севиб ўрганади ва унинг ўзбек терминологиясини шилаб чиқади. М. Урозбоев, Мўъжизалар олами.

2 Тилшуносликнинг терминларни ўрганиш, тартибга солиш билан шуғулланувчи соҳаси. *Терминология мутахассиси. Терминология сектори.*

**ТЕРМИТ** I [р<грек] хим. Баъзи металлларнинг оксиди билан алюминий аралашмасидан иборат, ёнганда жуда кучли иссиқлик ҳосил қиладиган поршохсимон модда (техникада ва ҳарбий мақсадларда ишлатилади). || *Термит болба.*

**ТЕРМИТ** II [р<лат] Асосан иссиқ мамлакатларда катта уяларда жуда кўп миқдорда гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшайдиган парда қанотли ҳашарот, ёғоч зараркунандаси. *Термит дегани ҳудди битга ўхшаши жирканч ҳашаротгина эмас, даҳшатли офат экан.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Термит — ўтлоқ устида лойдан ясалган уяларда яшовчи ҳашарот.* «География».

**ТЕРМОГРАФ** [р<грек] Температура ўзгаришларини автоматик суратда ёзиб борадиган асбоб.

**ТЕРМОДИНАМИК** [р термодинамический] Термодинамикага оид; иссиқлик туфайли юзага келадиган харажатлар билан боғли бўлган. *Термодинамик миқдор. Термодинамик мувозанат. Термодинамик ўзгариш.*

**ТЕРМОДИНАМИКА** [р<грек] Физиканинг иссиқлик ҳаракати қонунларини ва иссиқлик ҳаракатининг жисмларнинг физик ҳолатларига таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ТЕРМОИЗОЛЯЦИЯ** [р] айн. теплоизоляция.

**ТЕРМОМЕТР** [р<грек] Температуранинг, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчайдиган асбоб. *Термометр 20 даража совуқни кўрсатар эди.* ■ *Қишида иситма борлиги ва унинг баландлигини аниқлаш учун... медицина термометри ишлатилади.* Н. Исмоилов, Қасалларни парварши қилиш. *Хотин Лоланинг қўлатиғига қўйган термометрни олиб чироққа солиб қаради-да, уни силкиб, стол устига қўйди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Максимал термометр** энг юқори даражадаги хароратни кўрсатувчи термометр (маълум бир вақт орасида).

**ТЕРМОМЕТРИЯ** [р<грек] Физиканинг температурани, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчаш усуллари ҳақидаги бўлими.

**ТЕРМОРЕГУЛЯТОР** [р<грек+лат] Хона, печь ва ш. к.да керакли темпе-

ратурани автоматик равишда ҳосил қиладиган ва сақлаб турадиган асбоб.

**ТЕРМОС** [р<грек] Ичига қўйилган иссиқ, ёки совуқ нарсани (мас., иссиқ чой ёки сувуқ сувни) узоқ вақт шу ҳолича сақлайдиган махсус идиш. *Меҳри опа столча ёнидаги қорзинкадан овқатликлар олди, тўрда осиглиқ термосни очиб, стаканларга иссиқ чой қўйди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

**ТЕРМОСТАТ** [р<грек] Температураси ҳаммаша бир хилда сақланиб турадиган аппарат.

**ТЕРМОСТАТИК** [р термостатический] Термостатга оид. *Термостатик камера.*

**ТЕРМОЭЛЕКТРИК** [р термоэлектрический] Электр ўтаётган занжирдаги электр ва иссиқлик процесслари ўртасидаги боғланишга оид, шу сабабли ҳосил бўлган. *Термоэлектрик ҳодиса. Термоэлектрик ток.*

**ТЕРМОЯДРО** [р термоядерный]: **термоядро реакцияси** водород ёки литий ядросининг ниҳоятда баланд харорат ва жуда кўп энергия ҳосил қилиб оғирроқ элементлар ядросига айланиши. **Термоядро қуроли** термоядро реакцияси туфайли портлайдиган қурул.

**ТЕРМОҚ** I Сочилиб ёки тўкилиб ётган нарсаларни қўл билан бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. *Сойликдан майда тош термоқ. Ўтин термоқ.* ■ *Катта йўлда.* болалар тўкилган ўқ, гильза ва ҳар хил бузилган қурул қисмларини териб, ўйнаб юрадилар. Ойбек, Қуёш қораймас. *Ғуломжон отхонага кириб, тўкилган бедаларни охурага териб солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дон, мева, гул ва ш. к. ўсимлик ҳосилини бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. *Гул термоқ. Ёнғоқ термоқ. Мош термоқ. Олча термоқ.* ■ *Пахта терсанг тоза тер, Чангойда қолмасин.* «Кўшиқлар». *Баҳор келди элимизга Кўм-кўк бўлди бог, дала. Севинч тўлиб дилмиизда, Териб келдик гул-лола.* И. Муслим.

3 Маълум тартибда устма-уст, ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, ўрнаш-тирмоқ, тахламоқ. *Қитобларни тоқчага термоқ. Омборга қовун териб қўймоқ. Саватга нон термоқ. Яшиқларга олма термоқ.* ■ *Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб, қозонга уяр, Рағно бўлса, айвонда кичкина укалари орасида ўтирар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эмин уни [пулемётни] шошилла қўлига олди-да, бир зумда қисмларини ажратиб, газетага териб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг [чойхонанинг] оппоқ деворларида неча-неча янги ва эски велосипедлар териб қўйилган.* Ш. Рашидов, Бўрдондан кучли. **Ғишт термоқ** I) ғиш-ларни маълум тартибда тахламоқ. *Сидиқжоннинг диққати ўнге томондаги тўқайнинг оқиқ ерига териб қўйилган сон-саноксиз ғиштга жалб бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) ғишларни/лойд ёки цемент қориммаси билан

ўзаро бириктириб, девор ва ш. к. қурмоқ. *Бинонинг ғиштини термоқ; 3) ётқизмоқ. Ҳовли саҳнига ғишт термоқ.*

4 Нарсаларни тешиб ёки тешигидан ип, сим ва ш. к. ўтказиб, қатор, ёнма-ён жойлаштирмоқ, тизмоқ. *Ипга мунчоқ термоқ.* ■ *Ҳаётхон бечора ип эшиб, марваридларни теришга ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эшонхон чаққонлик билан сихларга қабоб таради.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ўзиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я! Мунчани тергунча юрагинг қон бўлиб кетади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *полигр.* Босиш, нашр этиш учун типографик белги ва ҳарфларни тегишли тартибда жойлаштириб бирор текст ҳосил қилмоқ. *Эълонни йирик ҳарфлар билан термоқ.*

6 Айрим белги ёки рақамларни ёнма-ён, бирин-кетин олиб, келтириб бирор бутунлик ҳосил қилмоқ. *Лаълихон гаплашиш учун телефон олдига борди, трубкани қўлига олиб, керакли номерларни тира бошлади.* Ойдин, Қўнгли тўлдими, яхши йнгит.

7 Сараламоқ, танламоқ. *Футбол командасига кучли ўйинчилар териб олинди.*

8 Ажратмоқ, ажратиб олиб ташламоқ; тозаламоқ. *Гуручининг курмагини териб ташламоқ.* ■ *У [Мулла Шамсиддин] эшик олдидаги сунада, олдида бир галивр майиз, чўпни териб ўтирган эди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Сигирнинг қулоғига яна қана тушибди! Қанадан ҳам кўра сигир унинг [Бақоевнинг] аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди — бошини силқийди, пишқиради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

9 Оралатиб юлиб ташлаб чиройли шакл бермоқ (қош, соқол, мўйлов ҳақида). *Соқолни термоқ. Қошни термоқ.* ■ *Соқолнинг устарага илинмайди, келин аямнинг қош тарадиған мўйчинақларида юсангиз ҳам бўлади.* С. Аҳмад, Хужм.

10 Кетмон, теша, болта каби асбоблар юзини болғалаб текисламоқ, ёй-моқ ёки ўткирламоқ. *Кетмон юзини термоқ. Теша тиғини термоқ.*

11 Металл буюмга ўйиб гул, нақш солмоқ.

◆ **Без термоқ қ. без.** I. **Ризқини термоқ** насибасини топиб еб кун кечирмоқ, амал-тақал кун кўрмоқ. **Тошингни тер қ. тош I.**

**ТЕРРАСА** [р<фр] 1 Зинапоясимон бўлиб тушган тоғ ёнбағирларидаги текис майдонча. *Террасалар ҳозирги вақтда турли экинлар ва мезазорлар билан банд бўлган ерлардир.* «Ўзбекистон географияси».

2 Енги айвон, пешайвон. **ТЕРРЕНҚУР** [р<нем] Курорт ва санаторийларда даволаниш мақсадида пиёда юриш ҳамда шундай юриш учун тайёрланган масофалар кўрсатилган махсус йўл. *Ҳар кун субҳидам чоғ-*



ларида терренкурлар одамга тўлиб кетади. И. Раҳим, Ихлос.

**ТЕРРИТОРИАЛ** [р территорияльный] Маълум бир территорияга оид, маълум территорияга қарашли бўлган; бирор территория доирасидаги. *Территориал шевалар. Территориал бўлиниш. Территориал сувлар денгизнинг шу денгиз бўйидаги давлат территориясига кирадиган қисми.*

**ТЕРРИТОРИА** [р<лат] Чегаралари аниқ белгиланган ер, майдон; бирор муассаса, ташкилот ўрнашган жой. *Давлат территорияси. Қолхоз территорияси. Район территорияси. Ўзбекистон территорияси. — Бир зарбага уч зарба билан жавоб берамиз! Уруш душман территориясида олиб борамиз! деган киши Чернецовнинг ўзи эмасиди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Полк территориясига етмасданоқ, бир жангидан Германиянинг бизга қарши уруш бошлаганини эшитди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ТЕРРОР** [р<лат] Сўйсий душманга нисбатан куч ишлатиш, ўлдириш, қириш. *Ирқчилар террори. Террор қилмоқ.*

**ТЕРРОРИЗМ** [р] Террор билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактика; террорчилик. *Терроризм режими. Терроризм сиёсати. — [Опportunистлар] терроризм бутун дунёда қудратли бўлган Антантанинг ҳужуми орақсиди келиб чиққанини унутадилар. В. И. Ленин, Советларнинг VII Бутурроссия съезди.*

**ТЕРРОРИСТ** [р] Ўз фикр ва маслагини террор йўли билан амалга оширувчи одам; террорист тарафдори ва иштирокчиси. *Анархистлар, террорист-народниклар ва шу кабиларнинг сиёсатини марксистлар кавантюристтик сиёсат деб атайдилар. В. И. Ленин, А. Богданов тўғрисида.*

**ТЕРРОРИСТИК** [р террористический] Террорга, терроризмга асосланган; терроризмдан, террорчиликдан иборат бўлган; терроризмга амал қилувчи. *Террористтик план. Террористтик ташкилот. Террористтик ҳаракат.*

**ТЕРРОРЧИ** айн. террорист.

**ТЕРРОРЧИЛИК** айн. терроризм.

**ТЕРС** 1 Тескари, чап, чаппа; терскай. *Терс жой. Қўёшга терс ҳовли. || Терс қарамоқ. Газетани терс ушламоқ. — Алоиддин Маишадий кўзларини сал очиб юзини терс ўғирди. Ойбек, Навоий. Унинг йўли терс бўлса ҳам, Аъзам розилик билдирди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

2 Тескари, акс, зид; қарши. *Махсум Миробид билан илгари терсроқ бўлса, энди апоқ-чапоқ, оғиз-бурун ўлишиди. В. Ғофуров, Вафодор. Народниклар жамият эҳтиёжларига терс ҳаракат қилар эканлар, ўзлари мағлубиятга учрайдилар. «КПСС тарихи».*

3 Ужар, қайсар, акс; сакта, қўпол. *Терс одам. — Ўзбек ойим ўглининг терс сўздан қизшиди. А. Қодирий,*

Ўтган кунлар. || [Фарида] ўсма қўйишга тақлиф қилиб чиққан қўйини қизига ҳам терс жавоб қилди. Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ТЕРСАЙЛОҚ** 1 Хафа бўлиб қовоқ солмоқ, тумтаймоқ; аразламоқ. *Отабек терсайганча чойга келиб ўтирди, отасига салом ҳам бермади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [Бўрихўжанинг] терсайиб ўтиргани ва яна шумшайиб чиқиб кетгани юрагини сиқди. Мирмуҳсин, Чинқиш.*

2 Ужарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ, аксига олмоқ. *Эрга қарши терсайган Холжон хола жуда шошилиб қолди. Ғайратий, Довдираш. Ҳожийўглининг қандай фикрда ва нима учун терсайганини билди; янглишасиз ўғлим! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ТЕРСКАЙ** Қуёшга тескари, қуёш тушмайдиган, шимолга қараган (тоғ, баландлик ёнбағри, чуқурлик ва ш. к. ҳақида). *Унга Шербек анави терскай, қор ётаан қирнинг ортидан ҳали замон от ўйнатиб чиқиб қоладигандай туюлаверди. С. Анорбоев, Оқсой. Атрофни қуришган тошлар орасидаги ўрикзор чорбоғлар, кундузи қўёш, кечаси ой нуридан ярқирайдиган харсанг тошлар, кун тушмас терскай жилғалар унинг кўз олдини банд этиб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ТЕРСЛАНМОҚ** Ужарлик қилмоқ; тескари, терс иш қилмоқ; аксига олмоқ. *Бу боланинг терсланадиган одати йўқ.* | Хафа бўлиб тумтайиб олмоқ; аксига олмоқ; қовоқ-димогини осилтирмоқ. *Эр-хотин индамади, худди маслаҳатлашгандай терсланиб олишди. Орага ноқулайлик чўкди. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.*

**ТЕРСЛИК** терс с. белги оти. *Терслик қилмоқ.*

**ТЕРТ** Сомон, хашак ва ш. к. дағал озуқаларга майдаланган кунжара, кепак каби тўйимли озуқалар аралаштириб қориб тайёрланган ем. *Молнинг палови силос, ҳозирча кепак сепиб, терт қориб беринглар, болам. А. Мираҳмедов; Кулган чечаклар. [Анореул] ювиндиларни сигир-бузоқларга беради. Уларга хашак қирқади, терт беради. Ойдин, Ҳазил эмиш.*

**ТЕРУВЧИ** 1 термоқ с. и. оти. *Икки қўллаб терувчи теримчи.*

2 айн. теримчи.

**ТЕРИЧ** [р<лат] 1 муз. Диатоник гамманинг учинчи пардаси ва шу гаммадаги уч пардали интервал. *Оралигида бир босқич қолдириб тузилган интервални терчи деб аталади. И. Акбаров, Музыка саводи.*

2 полигр. Титул шрифтларидан бирининг номи.

**ТЕРЧИЛ** кам қўлл. Тез терлайдиган, терлаб турадиган; терлоқ Қиши тўни кирчил бўлар, киши оти терчил бўлар. Мақол.

**ТЕРЧИЛАМОҚ** 1 Буғдан хосил бўлган томчилар билан қопланмоқ. *Ҳаммоннинг девори терчилаб турарди.*

2 Андак терламоқ. *[Мирвосилнинг] офтоб таъсирида қорайиб, шўралаб кетган пешанаси, кечки салқинга қарамадан, терчилаб турарди. Ҳ. Назир. Одамнинг қадр.*

**ТЕСКАРИ** 1 Ўнг, тўғри деб қабул қилинган ҳолатга, вазиятга, йўналишга, тузилиш, тартиб ва ш. к. га қарама-қарши бўлган; терс. *Тескари иш. Бўлувга тескари амал — кўпайтирув. Тескари веруэл.* || *Кепкани тескари киймоқ. Қитобни тескари ушламоқ. Стулга тескари ўтирмоқ. Сўзни тескари ўқимоқ. Сув тескари оқмайди. — Қўлимга тушганида, юзига куй суриб, зиятсиз тескари миндиран эдим-у, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қознинг ҳузурига олиб борар эдим. П. Турсун, Ўқитувчи. Бўта қуруқ чойни консиз иссиқ-иссиқ қўллаб чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб, ичига иккита ўн тийинликни ташлаб, ўрнидан турди. С. Ахмад, Ҳукм. [Тўғри маънога зид, аксинча. Тескари маъно.] Гапни тескари тушушмоқ.*

2 Бирор кимсага, нарсага нисбатан орқа ўгириб ўрнашган, унинг орт томонига жойлашган. *Узоқ ўйлаб турмай, бу кунги Тиктепаннинг гузарга тескари томонидан ўзи учун бир «бошпаноҳ» очини қарорига келди. А. Қодирий, Обид кетмон. Улар [тоғлар] шунчалик яқинки, баландликдан синиб тушган сариқ харсанг парчалари, кунга тескари оралиқдаги ҳали эриб битмаган қорлар, аниқ кўринади. Шухрат, Шинелли йиллар. | Ўнг эмас, ўнғайсиз, чап. Бу йўл менга тескари.*

3 Қарама-қарши, хилоф, зид. *Ҳаёлий социалистлар.. капитализм тузумини аёвсиз танқид қилдилар, унинг кишиликка номувофиқ, адолатсиз, ақлга тескари эканлигини кўрсатдилар. В. И. Ленин, Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми. || Агар биронта иш унинг [Хушрўйнинг] тилагига тескари кетса, шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бошқача. Киши кўринишида ва муомалада бир хил, ҳақиқатда, ички жиҳатдан тамом тескари бўлиб қолиши мумкин. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бир-бирига нисбатан қарама-қарши; бир-бирининг зидига, зидинга ҳаракат қиладиган; мухолиф, душман. *Бу газетанинг энг реакцион, энг тескари ва фитначи эканлигини билардим. Ойбек, Нура қидириб. | Бирор кимса ёки нарсага қарши қаратилган, унинг зидига ёки зидинга йўналтирилган; бир-бирига зид, мухолиф. Тескари ҳаракат. — Ҳай, хотин киши экансиз, эркак киши бўлаганингизда бу тескари ташвиқотларингиз учун соғ қўймас эдим. П. Турсун, Ўқитувчи.**

4 от Бирор нарсанинг орқа томони, орқаси, астари. *Газламанинг тескариси. Қўрпанинг тескариси. Машина тескариси билан юриб ҳовлига кирди. |*

Айтилган ёки қутилган фикр, иш-ҳаракат ва ш. к.нинг акси, зиди. *Айтганининг тескарасини қилмоқ.*

5 кўчма с. т. айн. терс 3. *Тескари одам.*

6 кўчма Бир-бири билан гаплашмайдиган, аразлашган, урушиқлик. *Улар бир-бирлари билан тескари бўлиб қолдилар.* — *Олти ойдан бери юз кўришмаган қайната-куёв бирга ишлаш-япти-я?* Бир ҳисобдан яхши бўпти. *Токайгача тескари бўлиб юришади.* Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

♦ *Иши тескари кетди* иши юришмай қолди, иши орқага кетди, пачава бўлди. *Тескари дунё* бевафо, ўзгариб турувчи дунё. *Қандай қилай, шундай тескари дунё экан.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда. *Тўнини тескари киймоқ қ. тўн.* (Худо) юзини тескари қилсин худо кўрсатмасин, унга дучор ёки гирифтор қилмасин. *Ёмоннинг юзини тескари қилсин.*

**ТЕСКАРИЛАНМОҚ** Ўгирилиб тескари вазият олмоқ, тескарасига ағдарилмоқ.

**ТЕСКАРИЛАШМОҚ** 1 Ўзгарлашмоқ, қайсарлашмоқ.

2 Бир-бири билан тескари бўлиб қолмоқ, уришиб, аразлашиб қолмоқ.

3 Тескари, орқага кетмоқ. *Иши тескарилашиб кетди.*

**ТЕСКАРИЛИК** 1 тескари 1, 2, 4 с. белги оти. *Эғнидаги кўйлакнинг тескарилигини сезмабди.* **Тескариликка олмоқ** айтилган гапни, фикрни тескари, нотўғри, аксинча тушунмоқ ёки тушунтирмақ, тескарига бурмоқ. *Мен жўртга баъзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам, у [Зайнаб] чурқ этмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с. т. Ўзгарлик, қайсарлик, терслик. *Мунча тескарилик қиласан.*

**ТЕСКАРИСИГА** *раш* Тескари йўналишда; қарама-қарши томонга, орқага қараб. *Ҳеч қачон қўёш тескарасига юрадимиз? Мен буёқдан қарз бераверсам, сен бола-чақанг билан еяверсанг, қачон тўлайсан? Замон бундай тескарасига айланиб, инсондан имон қочиб турибди, ахир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТЕСКАРИСИЧА** 1 *рви* Одатдагига нисбатан қарама-қарши йўналишда; тескари ҳолда. *Тескарасича юрмоқ.*

2 *рви* Фарқли равишда, аксича. *Аксининг тескарасича уқаси жуда шўх.*

3 *кириш с.* Аксинча. *Ҳамма кулади, у аса, тескарасича, ийғалайди.*

**ТЕСКАРИЧИ** Ижтимоий тараққиёт, революцион ҳаракатлар ва демократия душмани; сиёсий реакция тарафдори; реакционер. *Нурхоннинг йўлирилиши — тескаричи гуруҳларнинг санъат, театр ва аёллардан олган очиқ сиёсий қасоси эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТЕСКАРИЧИЛИК** Ижтимоий тараққиётга, революция ва демократияга қарши йўналган ҳаракат; реакция.

**ТЕТА-ПОЯ** 1 Юришни энди ўрғанаётган, энди биринчи қадам қўётган, атак-чечак қилаётган (бола ҳақида). *Тета-поя гўдак.* || *Тета-поя юрмоқ.* — *Бир неча одим оқсоқланиб юрди.* Унинг юриши янги тета-поя боланинг биринчи қадамларига ўхшарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Энди, янгигина ташкил топган ёки топаётган; энди мустақил ҳаёт кечира бошлаган, ҳали мустақкам оёққа туриб олмаган (ойла, ташкилот, коллектив ва ш. к. ҳақида). *Коллективимизнинг тета-поя вақти ўрғиб кетган, энди уни буюлмайсиз, ўртоқ Раҳмонқул!* А. Мухтор, Туғилиш.

**Тета-поя бўлмоқ** 1) юришни энди ўрғана бошламоқ, биринчи қадам ташламоқ, атак-чечак қилмоқ. *Тета-поя бўлган Рағнонинг гилдираб келганча пинжигига кириб эркалик қилгани ҳам [Шакархоннинг] кўнглига сизмади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда; 2) кўчма энди, янгигина ташкил топмоқ; оёққа тура бошламоқ. *Колхоз энди тета-поя бўлаётган кунларда душман хуруж қилди, жамоат мулкига ўт қўйдилар, уруғлик ғаллани ўғирладилар, турли-туман миш-мишлар тарқатдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) биринчи марта бошламоқ. *Пахта нима, деҳқончилик нима — энди тета-поя бўлиб ўраниб келясизлар.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Тета-поя қилмоқ** 1) айн. **тета-поя бўлмоқ.** Бола тета-поя қила бошлади. *Бу ташкилот энди тета-поя қилиб келяпти; 2) парвариш қилмоқ, парваришга ўстирмоқ.*

**ТЕТИК** 1 Ҳали куч-қувватга тўла, бардам, бақувват. *Тетик чол.* || *Атоқли қизиқчи, машхур санъаткор Юсуфжон ота тўқсон ёша тўлаганда ҳам тетик эди.* || *Чарчаб ўтирган хон ўзини тетик ҳис қилди, шеър унга ёққанда.* Ж. Шарипов, Хоразм. || *Чаққон, тийрак. Сўнг чол сукутга ботди, кичкина, лекин ҳали тетик кўзларини, мудроқ босан одам қоби, секингина юмди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Кўрқинни билмайдиган, дадил гапирадиган, ўз фикрини баралла айта оладиган; мардонвор. *Қандолат опага не бало бўлди, дейман, ҳайрон бўламан. Гапга чаққон, тетик хотин эдику!* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Почаев, қурилишга бирон фикри тетикроқ бола келиб қолса, дарров изига тушади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Мен Жайноқман. Мана ўғлинг Маҳкам.. Келининг Иқбол ҳам шу ерда, тетик бўл.* Н. Сафаров, Уйғониш.

3 кўчма Ғайрат-шижоат билан тўлиб-тошган, ғайрат-шижоат бағишлайдиган; жонли, жушқин. *Ўртада бир неча қизлар рақс тушмоқда — жонли, шўх, тетик рақс.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Энди қўшиқ ҳурдир, юраклар бебоғ, Қаддини кўтарди ўлка ва одам. Қўшиқлар мўл бўлсин тетик ва қувноқ.* Ҳ. Олимжон. *Сойлик томондан келаятган тетик ва янроқ овоз Элмуроднинг ўзини бузди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТЕТИКЛАМОҚ** кам қўлл. Тетиклик бағишламоқ, тетиклантирмоқ. *Подшонинг, гарчи мастлик вақтида бўлса-да, у билан аччиқ суҳбат қилиши Маждиддинни тетиклади.* Ойбек, Навоий.

**ТЕТИКЛАНМОҚ** 1 Куч, қувват касб этмоқ; бардам бўлмоқ, соғаймоқ, тузалмоқ. *Муздай сув кўзини мошдек очди.* Яна мияси фикр қила бошлади, ўзи тетикланди. Шухрат, Шинелли йиллар. *[Қурбон ота] касалхонада яқин икки ой ётиб оёқлари тузалди, ўзи жуда тетикланди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Дадиллик касб этмоқ, дадиллашмоқ. *Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТЕТИКЛАНТИРМОҚ** **тетикланмоқ** *фл. орт. н.* Дори-дармон беморни анчи тетиклантирди. — *Тунроқнинг шўртот ҳиди, қўёшнинг тапти, эрта баҳорнинг.. шабодаси ҳафта ўтмай колхозчиларни тоблаб, тетиклантирди.* Р. Раҳмонов, Мехр кўзда. *Дарахтдан тушганда [кузатувчининг] сариқ-қизғиш тукли юзида ишонч барқ урарди.. Бу жангчиларни тетиклантирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТЕТИКЛАШМОҚ** Тобора тетикланмоқ, тетикланиб бормоқ, тетик бўлмоқ. *Унинг руҳи тетиклашди.* — *Раҳимберди бир оз тетиклашди.* Ҳ. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**ТЕТИКЛИК** 1 **тетик** с. белги оти. *Унинг [Асрорқулнинг] тетиклиги, шахдам қадам ташлаши ёш болага чиққан соқолдай қишининг қулгисини қистатар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Куч-қувватга тўла, тетик кишиларга хос жисмоний ва руҳий ҳолат; бардамлик. *Тетиклик бағишлайдиган физкультура машғулотлари.* — **Ўзини тетикликка солмоқ** (ёки **олмоқ**) ўзини тетик, бардам, соғ қилиб кўрсатмоқ. *[Муроджон] аранг кўзини очиб, ўзини тетикликка олди ва Қаримжон билан самимий кўришди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Уй эгаси ошга сабзи босиб, Отабек ёнига келди, у бошқа ҳиссиёт ва фикрларни вақтинча унутиб, ўзини тетикликка олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЕТРАЭДР** [р <грек] *мат.* Ҳар бир ёғи ўзаро тенг учбурчаклардан иборат бўлган тўрт ёқли пирамида.

**ТЕХНЕЦИЙ** [р <грек] Суьғий равишда ҳосил қилинган радиоактив химиявий элемент.

**ТЕХНИК** [р] 1 Ўрта техника маълумотига эга бўлган ва техниканинг бирор соҳасида ишлайдиган мутахассис. *Техник чақириб план ва смета тузиш, неча пуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 с. т. Техник соҳасида ишловчи киши.

**ТЕХНИК** [р *технический*] 1 Техникага оид. *Техник билимлар. Техник прогресс.* | Техникадан фойдаланиш, уни ўрганиш билан боғли бўлган; техни-

кавий. *Техник назорат. Техник таълим.*

2 Техника, машина, механизмлар ишига боғлиқ бўлган. *Техник сабабларга кўра дастгоҳ тўхтаб қолди.*

3 Саноатда, техникада ишлатиладиган ёки қайта ишланадиган. *Техник моё. Техник тола.*

◆ **Техник котиб** ёзув-чизув ишларини олиб боровчи идора ходими; секретарь. **Техник редактор** босма асарда материалнинг жойланиши, текстларнинг тегишли ҳарфлар билан терилиши ва ш. к. билан шуғулланувчи махсус редактор.

**ТЕХНИКА** [р<грек] 1 Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроллари — механизм, аппарат, мослама ва ш. к. мажмуи, шунингдек уларни ўрганиш, қўлланиш, такомиллаштириш соҳасидаги инсон фаолияти. *Илғор техника. Авиация техникаси. Пахта териш техникаси. Техника фанлари. Техникадан унумли фойдаланмоқ. — Душман Орёл ва Белгород районларига.. бу кунгача ҳеч қайси фронтда кўрилмаган ёки оз кўрилган техникани ташт қилиб қўйган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Бирор иш ёки ҳаракатни бажариш йўллари, усуллари мажмуи; шу усулларни эгаллаганлик, маҳорат даражаси; санъат, маҳорат. *Балет техникасини эгалламоқ. Сузиш техникаси. — Курашнинг ҳар қандай формаси ўзига муносиб техникани ва ўзига муносиб аппаратни талаб қилади. В. И. Ленин, Менъшевизм кризиси.*

◆ **Техника экинлари** ҳосили саноат учун хомашё сифатида ишлатиладиган экинлар (мас. пахта, зиғир, каноп, қанд лавлаги, кунгабоқар ва ш. к.). **Хавфсизлик техникаси** ёки **техника хавфсизлиги** ишлаб чиқаришда ҳалокат ва фалокатларнинг олдини олишга қаратилган иш усуллари ва воситалари системаси.

**ТЕХНИКАВИЙ** [р+а] айн. **техник**. *Техникавий ёрдам. Техникавий тадбирлар.*

**ТЕХНИҚЛИК** **тэхник** с. касб оти. *Техниқлик вазифаси. Уртоғим қурилишда техниқлик қилади.*

**ТЕХНИҚУМ** [р] Техниканинг бирор соҳаси учун ўрта малакали кадрлар, техниклар тайёрловчи махсус ўқув юрти. *Қурилиш техникуми. Техникумда ўқимоқ.*

**ТЕХНОЛОГ** [р] **Технология** бўйича мутахассис. *Технолог инженер.*

**ТЕХНОЛОГИК** [р **технологический**] 1 **Технологияга** оид; материаллар ва маҳсулотларга ишлов беришнинг метод ва усуллари билан боғлиқ бўлган. *Технологик билим. Технологик талаб.*

2 **Материал** ва маҳсулотларга қатъий технология бўйича ишлов беришга оид. *Технологик кўрсатма. Технологик жараён.*

**ТЕХНОЛОГИЯ** [р<грек] 1 Ишлаб чиқариш процесслари, усул ва восит

талари ҳақидаги билимлар мажмуи. *Металлар технологияси.*

2 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида материалларга ишлов бериш ёки қайта ишлашда қўлланиладиган усуллар операциялар мажмуи. *Прогрессив технология. Атлас тўқиш технологияси.*

**ТЕША** 1 Тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган чопиш, кесини қуроли. *Даст теша. Пой теша. — На ўтин бўлмаса, на ўтинни ёргани тешаси бўлмаса, нима қиламан? Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Холдорхон жавоб кутмай, тешани олиб югуриб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.*

2 Теша (*эркаклар исми*).

◆ **Оёғига** (ёки тағига, илдизига ва ш. к.) **теша урмоқ айя. оёғига болта урмоқ қ. болта.** *Бир неча қизимизнинг номусини барбод этган, хонадонларни бузган, мустақкам ахлоқимизга теша урмоқчи бўлган.. иблисни фош қилиб, сизни фалокатдан қутқариб қолмоқчиман. Ғ. Ғулум, Халқ ҳукмига ҳавола. Теша тегмаган с. т. илгари ишлатилмаган, эшитилмаган; бутунлай янги (сўз, гап, фикр, хабар, янгилик ва ш. к. ҳақида). Теша тегмаган гаплар. Теша тегмаган янгилик. — Юсуфжон қизикнинг Охунжон қизик билан қиладиган теша тегмаган асқиллари.. ва латифалари залда гулдурос қарсақларга ва кулги кўтарилишига сабабчи бўлди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Ҳолвачининг тешасидай 1) қисқа, калта. [Гулжон Мирзасайимга:] Аввал Рустамбекнинг тилидан ҳолвачининг тешасидай калтагина хат қилдирдим. Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) чаққон, эпчил (киши ҳақида).*

**ТЕШИК** **Тешилган** жой, кавак, ўйиқ. *Игнанинг тешиги. Буруннинг тешиги. Деворнинг тешиги. Қонинг тешиги. Қулоқнинг тешиги. || Тешик халта. Тешик челақ. Тешик мунчоқ ерда қолмас. Мақол. — Меҳмонхонанинг қатор уч зинги милтиқ сигарлик йлакда бир неча жойидан тешилди. Милтиқлар у тешикларга қўйилиб отила бошлади. Айний, Қуллар. Йигитча кўчанинг нариги муюлишидаги эшик ва бўғот тешикларидан гурқираб тўтун чиқётган уйни кўрсатди. П. Турсун, Уқитувчи. Яхшиям вақтида бориб қолгани, йўқса.. чодирнинг тешик жойи бор экан, кечаси ёмғир ётқанда тўппа-тўғри чақалоқнинг устига томаверибди. С. Анорбоев, Оқсой. Тешик қулча ҳалқа шаклидаги қулча нон.*

◆ **Тешик томоқ** (ёки жигилдон) ҳар қандай свқат талаб киши; хўранда. *Қарамоғилда ўн иккита еяр оғиз, тешик томоқ бор. — Биз бунақанги тешик жигилдонларнинг баҳридан ўтмасак бўлмайди. А. Муҳиддин, Нуксовбой. Тешик қулоқ эшитдан қулоғи бор, албатта эшитади, гап албатта етиб боради. У ҳам .. ишлайди. Бирда бўлмаса бирда эшитади. Тешик қулоқ эмасми? Ойдин, Мардлик — мангулик.*

**ТЕШИЛМОҚ** 1 **тешмоқ** *фл. ўзл. ва мажх. н. Девор тешилибди. Самовар тешилибди. Қоп тешилиб қолибди. Тахта парма билан тешилади. — Асқар полвон қорайиб уңиққан эди. Шинели бир неча еридан йиртилган, кўйган, тешилган эди. Ойбек, Куюёш қораймас. Сидиқжон хижолат тешиб ташқарига қаради. Нима бало бўлди, осмоннинг тағи тешилди ми! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 **Ёрилмоқ, ситилмоқ.** *Яраси тешилибди.*

◆ **Бағри тешилди** бағри қон бўлди, қаттиқ ғам ёки азоб чекди. *Хўмор деса сийна-бағрим тешилар, Утинда томирлар илдай эшиллар. «Равшан» Кўзи тешилди кутавериб кўзи тўрт бўлди, тоқати тоқ бўлди. Ёрнинг йўлига боқиб Тешилди кўзим менинг. Е. Мирза. Кўзинг тешилгур! қарғ. кўзинг ўйилиб тушгур.*

**ТЕШМОҚ** **Пармалаб, ўйиб, куйдириб** ёки бошқа бирор йўл билан тешик ҳосил қилмоқ. *Тунукани миҳ билан тешмоқ. Тахтани чўғ билан тешмоқ. Ёғочни парма билан тешмоқ. Уқ зерҳни тешиб ўтолмабди. Сув тўғонни тешиб ўтибди. Томчи тошни тешар. Мақол. — Бу милтиқлар отилмайди— ўқдони тешиб қўйилган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қонки ё яшиқни тешар, чўнтақларига қўрқа-писи гевя солардилар. Ойбек, Қуллуғ қон. Ўёсиддиннинг оқ қилинишига сабаб.. яҳудий савдогарининг дўконини тешаётганида қўлга тушиб, юзига куя чаплаб, эшакка тесқари миндирилиб, бозорда сазойи қилингани бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ТЕШТИРМОҚ** **тешмоқ** *фл. орт. н. Кулогини тештирмоқ. — Агар.. ишга чиқмайдиганларни қўйиб берсанг, — тоғни ўзинга тештираман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ТИБ** [а] **эск. айн. медицина.** *Кейинчалик Абу Али Ибн Сино номи билан машҳур бўлган ёш Хусайн ҳар қуни ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоларининг тиб ва фалсафага оид китобларини ўқир эди. М. Осим, Китобга ихлос. [Регистоннинг] шимолда илгариги замонларда тиб илми ўқиладиган Дорушишфо мадрасаси бўлган эди. Айний, Эсдалиқлар.*

**ТИББИЙ** [а] **Медицинага, табобатга** оид, медицина билан боғлиқ бўлган. *Тиббий ёрдам. — Тошмат шимининг чўнтагидан тиббий экспертиза справқасини чиқариб берди. Ҳ. Ғулум, Машъал. Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди. И. Раҳим, Ихлос. Бирдан тиббий пункт ёдига тушди-ю, боланинг ҳаёти фақат ўша ердагина, сақланиб қолдигандек югурди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ТИББИЯ** [а] **эск. кам қўлл.** **Табобат, медицина.**

**ТИВИТ** **Ҳайвонларнинг** **нозик ва**

майин жунн. || *Тивит рўмол.* ■ Бошига эски тивит салла ўраб, илма-тешик чопон кийиб, белни бир газ бўз билан боғлаган, эски чорик судраган йигитча ер қизиб ўтирарди. Айний, Дохунда.

**ТИЖОРАТ** [а] эск. Савдо-сотик, коммерция. Менимча, тижорат пайдо бўлган замондан бошлаб, бундай мўл фойдани ҳеч ким кўрган эмас. Ойбек, Кутлуг қон. Бир томони Аштархону, бир ёни Деҳли. Тошкент читин хўб танирди тижорат аҳли. Ғ. Ғулом. У одам ҳам савҳат, ҳам тижорат деб Тошкентдан [Марғилонга] йигирма-ўттиз дўппи олиб борган экан. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТИЖОРАТХОНА** [а+ф-т] эск. Улгуржи савдо ишлари амалга ошириладиган бино. *Савдо-тижорат ва қўл хунари саноати этиб қолганлиги сабабли вақфга оид сарой, дўкон ва тижоратхоналар ҳам даромад бериш қобилиятини йўқотган эди.* Айний, Эсдалиқлар.

**ТИЗ** I 1 айн. тизза. Олма хола юзини тирнаб, тизга урди. Ғ. Ғулом, Соғлар. *Қўм-қўк ғўза тегарди тизга ва ўларди йигит барини.* Ю. Шомансур. *Тиз буюк, таъзим этиб, иззат қилмай доғман.* Муқимий. *От устидан кўтариб об [олиб] Сувонни, На бўлди деб Орзи олди тизга.* «Орзигул». **Тиз чўкмоқ** 1) тиззаларни букиб, оёқлари устига ўтирмақ; чўк тушмоқ; чўккаламақ. *Тозаул бешик ёнига, наматага тиз чўкканча, ўйга толди.* Ҳ. Ғулом, Машғал; 2) таъзим қилмоқ, таъзим билан илтимос қилмоқ; ўтинмоқ, ялинмоқ, ёлвормоқ. *Бу кун онанг сенинг олдинга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам орага тушиб сенидан сўраймиз: сен ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг муборак бўлсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) *кўчма* бош эгмоқ, бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ. *Нолиш билан иш битмас, мард номардага тиз чўкмас.* Мақол; 4) *кўчма* поэт. киши измига юрмоқ, иродасига бўйсунмоқ. *Бу дарё ва чўл билан одамлар озмунча олишдиларми, ўйлади Валентин, манга энди ўжар чўл ҳам, дарё ҳам тиз чўккапти.* Ш. Ғуломов, Азим дарёман дебон. **Тиз чўкиб ўтирмақ айн.** **тиз чўкмоқ** I. *Кушбеги буйруғи билан икки гуноҳкор тиз чўкиб ўтирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЗ II** [ф-т] тасв. с. Куч билан отилиб чиқаётган суюқлик жараёни ва бунда эшитиладиган товуш ҳақида. *Шланг тешигидан тиз этиб сув отилди.*

**ТИЗГИН I** От, эшак ва бошқа ҳайвонларни боғлаш ёки қантариб қўйиш учун хизмат қиладиган, учи сувлиққа ёки бошвоққа бириктирилган узун тасма ёки чизимча. *Шербек эгардан сакраб тушди.* Отнинг тизгинини панжарага боғлаб, чўкқахонага қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 с. т. Жилов. Овчилар хийла илжарилаб кетди. *Жувон тизгинни сал*

*бўшатган эди, .. той бирданига кўтарилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

3 *кўчма* Бошқариш воситаси. *Одамнинг тизгини — ақл.* Мақол. ■ *Хилола менинг ҳам иқтисодий фаолиятимни чиғирикдан ўтказадиган бўлиб қолди.* Раисларни биласиз, бунақа тизгинни ёқтирмайди. И. Раҳим, Хилола. *Ҳозир кишиларнинг асаби жойида эмас. Сал тизгинни бўйиштирасанг, бўйинингга миниб олишади.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Хушрўй:] *Тизгининг ойинг билан даданнинг қўлида, бошқача айтганда, уларнинг туяга ортган юки, кимга сотса, қаерга жўнатса, ихтиёрсиз эдинг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЗГИНЛАМОҚ I** От, эшак ва бошқа ҳайвонлар бошига тизгини боғламоқ, тизгин солмоқ.

2 От, эшак ва бошқа ҳайвонларни тўхтатиш ёки юргизиш учун тизгинни силтамоқ, тортмоқ.

3 *кўчма* Ўз амрига, иродасига бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ; жиловлаб олиб бошқармоқ. — *Уч раисдан бирини танлаш мумкин, — деди Зуннунов, — катта хўжалик, одамлари ҳар хил, уларни тизгинлаб оладиган кексароқ, тажрибалироқ одам керак-да!* И. Раҳим, Ихлос. *Йўқ, колхознинг иши бу йил яхши бўлди. Сатторқул янги раис бўлса ҳам, шошмасдан кўкламни тизгинлаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Бир жойда сувни тизгинлашга улгурилса, нарироқда шариллаб уриб кетади.* Ойбек, О. в. шабадалар. | *Чек қўймоқ, тўхтатмоқ; эрк бермаслик.* [Жомий] *зулм ва жабрни тизгинлаш учун Навоийнинг иқтидорига ишонар эди.* Ойбек, Навоий.

**ТИЗГИНЛАМОҚ тизгинламоқ** фл. мажх. н. Тизгинланган от. Тизгинланган дарё.

**ТИЗГИНЛИ I** Бошида тизгини бор, тизгин солинган.

2 *кўчма* Киши амрига, иродасига бўйсундирилган; жиловланган; жиловни, ҳуқуқни бировнинг қўлида бўлган. *Йўлдошбой энди, кечадан бери тизгинли, тақдир бундан буён нима бўлишини билмайди.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ТИЗГИНСИЗ I** Бошида тизгини йўқ, тизгинланмаган.

2 *кўчма* Киши амрига, иродасига бўйсундирилмаган; эркин; асов. *Тизгинсиз от каби чопган ой дарё, Юрагиндан порлаб чиқар электр.* Туйғун. *Унга аён: кўтарилар сув Синганида қишини қилчи. Унга аён: тизгинсиз Аму — Хархашаси, нози, қилиғи.* С. Акбарий.

**ТИЗДИРМОҚ тизмоқ** фл. орт. н. Мунчоқларни ипга тиздирмоқ. Солдатларни сафга тиздирмоқ. ■ *Ё, ранжитиб килрик учига Тиздирмадим инжу донасини.* С. Жўра. [Уста] *ўғилчасини ёнига ўтқазиб, қишлоқдаги бутун мўйсафидларни номма-ном рўйхатга тиздирди.* О. Ёқубов, Парза.

**ТИЗЗА I** Оёқнинг букиладиган, болдир билан сон қўшиладиган жойи. *Ҳаёт.. келинчақларча, бир оёгини йиғштириб, иккинчи оёгини тиззасидан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мана маст ҳолда Тожибой тўппа-тўғри Гулсумнинг эшигига келди-да, занжир илмимаган эшикни тизза билан бир итариб тўғри ичкарига кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Турсуннинг қамни кана олдида тиззасини кучоқлаб дарвеш қиёфасида ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Тизза чўкмоқ** кам қўлла. *айн.* **тиз чўкмоқ** I қ. **тиз I I.** *Тизза чўкиб ўтирмақ.* ■ *Тизза чўкиб таширди эдилар* Ўйинга шўх раққоса қизлар. Э. Раҳим. | *Соннинг болдирга туташган томони, пастки қисми. Онанинг тиззасига бош қўйиб ухламоқ.* ■ *Боширали ана шундай эрта тонг чоғида, шу болохонада Тўлқинни тиззасига олиб ўтириб, ноҳушта қилди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Қираверишда бир солдат автоматини тиззасига қўйганча ухлайган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *Иштон, шим ва ш. к. кийимларнинг тизни қоплаб турадиган қисми.* *Иштоний йўқ тиззаси йиртиққа қулар.* Мақол. ■ *Ҳа, мулла Ғулом, тиззаларингиз тупроқ, намозни ерда ўқидингизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТИЗЗАЛАМОҚ I** Тизза билан босиб жойламоқ, ниқталамоқ, босмоқ. *Пахта-ни қанорга тиззалаб жойламоқ.*

2 Чўкка тушмоқ, чўккаламақ. *Тиззалаб юрмоқ.* ■ *Шофёр ҳар бири қўйиб келадиган иккита чўл қовунини иккилаб кўтариб келди-да, тиззалаб думалатиб юборди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Ота суядаги кўрпачага тиззалаб ўтириб сабзи тўғрарди.* А. Эшонов, Ота.

**ТИЗИЛИШМОҚ тизилишмоқ** 2 фл. бирг. н. *Энди улар қатор тизилишиб, челақни қўлма-қўл узатиб туришди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Қартошка ортаган тўртта юк машинаси тизилишиб келарди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Уй қоронғи, талабалар.. стол атрофида тизилишдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТИЗИЛЛАМОҚ** Кичкина тешиқдан куч билан узлуксиз отилиб чиқмоқ (суюқлик ҳақида). *Трубанинг тешигидан сув тизиллаб оқмоқда.* ■ *Оддий қўл насосидан тизиллаб отилаётган сувни ўт ямлаб ютиб юборяпти.* А. Мухтор, Чинор. *Қоптоқдек думалаб бориб йиқилган Довднинг бурнидан шу он тизиллаб қон оқди.* Ё. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

**ТИЗИЛМОҚ I тизмоқ** фл. мажх. н. *Марварид доналари ипга тизилди.* *Токчаларга тизилган олма, анорлар.* ■ *Амаки айвонда..! калта бармоқлари билан майда дўлана мунчоқдан тизилган тасбеҳни санаб ўтирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Душман безовта кўйинларди.* *Энди отишмалар яққол эшитилибгина қолмай, ён-веримизга ўқ ёғилар, из қолдирувчи ўқлар маржондек тизилиб учарди.* А. Убайдуллаев, Қонди издан. *Саҳна олдида тизилган*

скамейкаларни турли ташилот ва мактаблардан келган вакиллар, маҳаллалардан келган ота-она, қариндош-уруғлар ва бошқа меҳмонлар тўлдирган. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**2 тизмоқ** 2 фл. ўзл. н. Солдатлар сафга тизилди. Қадирғочлар электр симига тизилиб ўтиришибди. ■ [Самолётлар] учта учбурчакка тизилиб шарққа учдилар. Ойбек, Куёш қораймас. Майин эсаётган шамол. унинг [Саодатнинг] бетидан марварид доналари сингари тизилиб ётган терларни ялаб кетди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Йўлда, теракзорда машиналар, мотоцикллар, отлар, велосипедлар тизилибди. Х. Ғуллом, Сенга нитиламан. | кўчма Бирин-кетин гавдаланмоқ, кўринмоқ, қаторлашиб ўтмоқ. Қамбағал эри билан кўрган кунлар, беш бола билан бева қолиб, тортган азоб-укубатлари кўз йўғидан бир-бир тизилиб ўтди. Х. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота. Кейинги бир неча ой давомида юз берган воқеалар унинг [Сергейнинг] кўз олдидан бирма-бир тизилиб ўтарди. Х. Ғуллом, Машғал. Кўза(н) ёши тизилди кўздан тўхтовсиз ёш оқа бошлади, кўздан дув-дув ёш окди. Ёлғизлигим сезилди, Қўзда ёшим тизилди, Юрак-бағрим эзилди, Келмайсанми, Хадичам. «Кўшиқлар».

**3 диал.** Томоқ ёки ичакдан тиқилиб ўтмоқ, тўхтаб қолгандай туюлмоқ. Ҳалиги овқат кўкрагимда тизилиб турибди. ■ Сенсиз ўтмас, ҳатто сув ҳам тизилар! Қулиб гоҳо, назар солмасанг бўлмас! С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ТИЗИМ** Ип, сим ва ш. к.га терилган нарса; шода. Бир тизим марварид. Бир тизим маржон. Бир тизим помидор қоқи. Бир тизим қалампир.

**ТИЗИМГУЛ** Оқ, қизил ёки оч бинафша гулли кўп йиллик доривор ўсимлик.

**ТИЗИМЧА** кам қўлл. айн. чизимча. **ТИЗЛАМОҚ** 1 кам қўлл. айн. тиззаламоқ.

**2 кўчма** Ерга тушмоқ, чўкмоқ, ўтирмоқ. Отнинг чанги қуюндай бўп тизлади. Қўпиклаган отнинг тери музлади. «Бўтакўз».

**ТИЗЛАНМОҚ** тизламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбаёган қабрлар бу тиловатга соме каби эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЗМА** 1 Бирин-кетин ёки ёнма-ён жойлашган; қатор. Очил Зарафшон тизма тоғи этагида чоравдор ва боғдор қишлоқда ўсган. П. Қодиров, Уч илди. Уйлар шкки қаваатли бўлиб, трасадан анча юқори, тизма қум адирлар устида саф тортганлар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. | Бир неча сарбоз узун вагонлар тизмасининг у бошидан бу бошигача қузатиб турарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**2** Харақтери, табиати, мунособати ва ш.к.га кўра бир-бирига боғли бўл-

ган, кетма-кет ёки ёнма-ён содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар тизилмаси мажмуи. Асарда шитирок этувчи қаҳрамонларнинг харақтерини, уларнинг ўзaro муносабатларини очиқ берадиган, бир-бирига боғланган воқеалар тизмаси асарнинг сюжети дейилади. «Адабиёт хрестоматияси». Айб-номада қайд этилган жиноятлар тизмаси... ғоят мудҳиш, мураккаб, ҳаққоний ҳикоялардай туюлди. Х. Ғуллом, Машғал.

**3** эск. Шеърин формаларнинг бири; терма.

**ТИЗМОҚ** 1 Ип, сим ва ш. к. нарсаларга ўтказиб шодаламоқ; термоқ. Марварид доналарини илга тизмоқ. Маржон тизмоқ. Гўшт бурдаларини сихга тизмоқ.

**2** с. т. Қимса ёки нарсаларни ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, термоқ, саф ёки қатор қилмоқ; сафламоқ, қаторламоқ. Солдатларни сафга тизмоқ. Токчаларга анор, олма, беҳилар қатор-қатор тизиб ташланган. ■ Ушанда ҳалиги мўйлов [мўйловли киши] йигитларни қатор тизди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.— Тиз солдатларингни! — деди ҳоким ясовулга. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3** кўчма Бирин-кетин бошқасини, бирин-кетин, узлуқсиз келтирмоқ, қаторлаштирмоқ, қалаштириб ташламоқ. Докладчи қуруқ рақамларни тизди. ■ Қулай пайт келса [Элмурод] илҳоми қайнаб қизинг кўзларига тикилганча гапларни тизиб ташлар.. эди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Меҳнатнинг таърифини ёзган китоблар, Мардлар номин ҳарфма-ҳарф тизган китоблар. Шайхзода.

**4** кам қўлл. Чизмоқ, чизик тормоқ. Сатрларнинг остини тизмоқ.

**ТИЗ-ТИЗ** тиз II с. тақр. Труба ёриғидан сув тиз-тиз отилар эди. ■ [Сизирнинг].. ўрта қўлдай йўғон-йўғон тарвақайлаб кетган эмчакларидан йўл-йўлақай сўт тиз-тиз тирқирарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТИЗГИМОҚ** диал. Тизилламоқ, тизиллаб оқмоқ У [Зифо].. ярадор, бе-мадор болаларга ёрдам бергани, уларнинг қон тизғиб турган яраларини боғлагани югурди. М. Исмоилий, Барҳаёт қиз.

**ТИЗГИТМОҚ** тизгимок фл. орт. н. Қим у, нима у севи билан масъуд, севи билан хушнуд дилларни шафқатсиз нимталаган, қон тизғитиб тиздалаган? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТИЙИЛМОҚ** 1 тиймоқ 1 фл. ўзл. н. У чекишдан тийилди. Болалар кулишдан зўрға тийилдилар. ■ Офтоб оймнинг ноласи босилса ҳам, лекин кўз ёши тийилмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Абдурахмонбой:] Бу бузуқ бош Сибирда юриб тийилмабди. Н. Сафаров, Уйғониш. **Оғзи** (ёки тили, жағи) тийлиб гапиршдан тўхтади, гапирмай қўйди. Шу жанжалдан кейин «булбули гўёнинг жағи анча тийилди. А. Қаххор, Сароб. Қадами тийилди

қадами узилди, бормаи, келмай қўйди. Сўнги йилларда совчи қадами тийилиб қолганиданми, Мадаминхўжа .. қари шайтоннинг совчиларини кўради-ю, оғир тўлғоқ азобларидан сўнг ниҳоят кўзи ёриган бахтиёр онадек, чарақлаб кетади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2 тиймоқ** 2, 3 фл. мажх. н. **ТИЙИН** 1 Бир сўмнинг юздап бирига тенг пул ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа. Беш тийин. Ун тийин. ■ Даромад тақсимотида ҳар бир меҳнат кунига яқин бир килодан бугдой, бир сўму қирқ етти тийиндан пул туюди. А. Қаххор, Бек. **Бир тийин(га қиммат)** ҳеч нарсага арзимайди, арзимас. Буларнинг ҳаммаси унга бир тийин. Бир тийинга қиммат одам.

**ТИЙИН** II айн. олмахон. **ТИЙИНЛИ** Тийин қийматига эга бўлган. 3 тийинли чақа. 20 тийинли танга. ■ Жўра .. ҳужранинг беш тийинли чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТИЙИНЛИК** Қиймати тийин турадиган, тийинга келадиган. 50 тийинлик чой. Бир тийинлик фойдаси йўқ иш.

**ТИЙИНМОҚ** тиймоқ 1, 2 фл. ўзл. н. [Назиржон] унинг олдиди турмушининг аччиқ мусибатларини гапиршдан тийинар, мумкин қадар яхшилик ҳақида гапиршига .. ҳаракат қиларди. Х. Нуъмон, Шорахмедов, Ота. Тошкентдан уйланса, сув қуйсаюндек тийинар қолар, Марғилон балосини эсдан чиқарар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЙИК** Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; қуюлган, босиқ. Тийиқ одам. **Нафси тийиқ** нафсга берилмаган, нафси ўлик. **Нафси тийиқ одам.** Тили тийиқ айн. тили қисик қ. тил.

**ТИЙМОҚ** 1 Бирор иш-ҳаракатдан тўхтамоқ ёки тўхтатмоқ, қайтармоқ; ундан ўзини ёки кимсани тутмоқ; босмоқ, эрк бермаслик. Қулагидан ўзини тиймоқ. Қўз ёшини тиймоқ. Қўзинг оғриси, қўлингени тий, ичинг оғриси нафсингни тий. Мақол. ■ Жазолаш органлари ишининг пухта йўлга қўйилганлиги, энг шафқатсиз жазо берилиши муқарраллигини англаш — маънавий жиҳатдан беқарор кишиларни жиноят қилишдан тийиб турадиган жуда муҳим омилдир. С. Пўлатхўжаев, Инсон ва қонун. **Оғзини** (ёки тилини) **тиймоқ** 1) бирор нарса дейишдан, гапдан ўзини тутмоқ, гапиршдан тўхтамоқ, оғзига эрк бермаслик. Ҳой бола, тилингени тий! ■ Қомила ҳам ҳазил билан жавобга ҳозирланди-ю, анча тилини тийди. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) гапиртирмай қўймоқ, гапиршдан тўхтамоқ, гапирмасликка мажбур қилмоқ. [Элмурод:] Қўп алам ўтганидан тилим шунақа ёмон бўлиб қолган. Хўжайишлар уриб-сўқсалар ҳам тилимни тия олмадим. П. Турсун, Ҳқитувчи. **Қадамин тиймоқ** бирор жойдан қадамини узмоқ, бориш-келишни тўхтатмоқ. [Олахўжа].. гагини гинахонликдан бошлади: — Жуда қадамини-



ғни тийиб қўйдинг. Келиб тоғангдан ҳолинг қалай, деб суриштирай ҳам демайсан-а. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Кутиб, кутқилаб йўлга солмоқ; ноҳўя иш, йўл ва ш.к.дан қайтармоқ; тергамоқ. Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадики? А. Қодирий, Ҳтган кунлар. Яхши отадан ёмон бола туғилса ҳам бўлар экан. Отаси қандайин нозанин жувон тўғри келса ҳам кўз қирини ташламас эди. Бу бебос бўлиб кетди, тиядиган кишиси бўлмади. Ойдин, Мардлик — мангулик. «Менга эрк берган совет ҳужумати. Сен мени тиёлмайсан. Мени тергайдиган бўлсанг, ЗАГСга бораман, ажраламан», — дебди [Хурихон эрига]. П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 Ҳз амрига, иродасига бўйсундирмоқ; жиловламоқ. У [Луқмонча] беҳтиёр енгларини шимаркан, кичкинагина гавдасида тийиб бўлмас куч пайдо бўлгандек эди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ТИЙРА** [ф-т] эск. кт. Қора; қоронғи. Қўзларим йиғлади зўлфингни кўриб, Ки ёғин боисидур тийра булут. Нодира. Ахир, ўша тийра тариха назар ташланг: ҳокимият тепасида.. ўтирган попок ва мустабид хон, бек, амирлар мамлакатга ўзларининг шахсий мулклари сифатида қарардилар. «К. Ҳзбекистон», 1964, 30 январь.

**ТИЙРАК** 1 Бир ерда тинч турмайдиган, ғайрати ичига сиғмайдиган; серҳаракат. Тийрак бир бола армиядан кеча қайтган мезоннинг ёнига ўтириб, медалини ҳаваас билан томоша қила бошлади. Н. Сафаров, Тошга битилган хат. Бардам, тетик, бақувват. Саксонлардан ўтган, лекин тийрак чол. — Меҳнат қилинг — танин тоблаг; Тийрак бўлинг, зийрак бўлинг — Ужажонлар, укажонлар. О. Кўчорбеков.

2 Зийрак, хушёр. Шербек унинг [Тўхтасиннинг] ҳали ёш бола бўлишига қарамай, жуда тийраклигига қойил қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Чақнаб турган, ўткир (кўз ҳақида). Унинг [Ражаб тегиормончининг] тийрак кўзларида кучли ирода ўти ёниб турарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. [Меҳринисанинг] кўзлари ҳамиша ёшларникидек тийрак, кулиб турарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ТИЙРАКЛАНМОҚ** 1 Тийраклик касб этмоқ, тетиклашмоқ, бардамлашмоқ, жонланмоқ.

2 Сергак, хушёр бўлмоқ; хушёр тортмоқ.

**ТИЙРАКЛАШМОҚ** Тобора тийракланмоқ, тийракланиб бормоқ, тийрак бўлмоқ. Рихсининг кўзлари бирдан тийраклашди. Орқасига бир қараб қўйиб, Адолатнинг ёнига келди. С. Зунунова, Гулхан.

**ТИЙРАКЛИК** тийрак с. белги оти. Тийраклик билан қарамоқ.

**ТИЙҒОНМОҚ** диал. Тойғанмоқ, сирғанмоқ, тоймоқ. Оёғи тийғониб кетди. Тийғониб йиқилди. — [Маҳкам ака] толар экилган ариқ лабидан бора ту-

риб тийғониб кетди, гурсиллаб йиқилди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ТИЙҒОНОҚ** диал. Сирғанмоқ, тойғанчиқ. Қўлим тердан тийғончиқ, Уроғим ўрар чаққон. Қўкатага солсам ўроқ, Фарамлар ясар чунон. Сайёр.

**ТИЙҒОНЧИҚ** айн. тийғончиқ. Тийғончиқ йўл. — Мунисхон.. тийғончиқ ердан ўтишга ёрдам қўлини чўзиб турган Саидийга қўл бермоқчи эди. А. Қаххор, Сароб. Эҳтирос туғён урганда, ақл чироғи хиралашади. Кумуш. Бу ғоят тийғончиқ йўл. Ҳйлаб, қараб қадам босиш керак. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ТИЙҒОНЧОҚ** айн. тийғончиқ.

**ТИК** 1 1 мат. Горизонтал юзага, чизикқа перпендикуляр равишда йўналган; юқорига тикка кўтарилган ёки пастга тикка тушган; вертикал. **Тик чизик** 1) вертикал чизик; 2) перпендикуляр чизик.

2 Юқорига тикка йўналган ёки пастга тикка тушган. **Тик жарлик**. **Тик қирғоқ**. || **Вертолёт тик кўтарилди**. — Фақат, соҳил тик бўлган учун, араваларни олиб чиқиш бениҳоят қийин эди. Ойбек, Қуёш қораймас. **Бобоқул отанинг назари тик қоя лабида турган оқ улоққа тушди**. С. Анорбоев, Оқсой. **Қуёш тик кўтарилиб, дарахларнинг сояси қисқарди**. Иссиқдан майсаларнинг боши эғилди. Шухрат, Шинелли йиллар. Янги қурилиш, ГЭСлар **Тик кўтарган қаддини**. Улар тортар ўзига Кишининг диққатини. Х. Салоҳ.

3 Бўйи баланд, бўйчан. **Укаси акасига нисбатан анча тик**. — **Сўнагул қорамағиздан келган, мандан ёш, лекин бўйи тикроқ**, .. қомати келишган қиз эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

4 У ёқ-бу ёққа бурилмаган, тўппа-тўғри; адил. **Тик йўл**. || **Терак тағидан шолитоя бўйлаб йўл бор**. Чирчиққа тик чиқади. Ҳ. Ғулом, Машғал. [Йўлчининг] икки қоши ўртасидан бош томонга тик кетган томир ўрта бармоқ йўғонлигида бўртиб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Оёқлари ёки асоси ерга тиралган; вертикал ҳолатдаги; тикка. **Бўйи қоп тик турмас**. Мақол. — **Қишлоқ ҳуснига ҳусн қўйган қадди расо тераклар тик қоматларини мағрур кўрсатиб турардилар**. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || **Бектемир старший лейтенант қаршисида тик қотиб, буйруғи билан келганини айтди**. Ойбек, Қуёш қораймас.

6 **реш** Тап тортмасдан, тортинмасдан, қўрқмасдан, дадил, тўппа-тўғри, рўйи рост. **Бетиға тик айтмоқ**. — **Бир хил ишлар борки, бўри билан тик олишади**. Ойбек, Болалик. Унинг [Адолатнинг] бир вақтлар ҳаёдан кишига дадил боқолмаган чиройли кўзларига ғазаб ва алам тўлган. Энди у ҳамма нарсага тик, дадил боқади. С. Зунунова, Гулхан. **Мастуранинг ўлимнинг юзига бунчалик тик қарагани.. учун операциянинг натижасини кутмади**. А. Қаххор, Минг бир жон.

**ТИК** II [р<гол.] Каноп ёки пахта толасидан тўқилган қалин, пишиқ газмол, мата (кўпинча матрац, дастурхон ва ш. к. учун ишлатилади). **Йўл-йўл тик**. — [Дадам] қарз-қурз билан амал-тақал қилиб чит, тик, тринка олади.. — дейди Мусавой. Ойбек, Болалик. || **Бахри қўлини тик дастурхон четига артиб, Ойшабунинг: «Ҳой, тўхташга ҳам қарамай, дарвозага югурди**. Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ТИКАН** 1 Ҳсимликларнинг, шунингдек баъзи хайвонларнинг ингичка учли, нинасимон органи. **Қизил гул тикани**. **Типратикан тикани**. **Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчи**. Мақол. — **Юсуф.. туябарге ва тиканлари ёйилган янтоқнинг чўпчакларини чойжўши остиде тика берди**. Айний, Қуллар. | **Шундай ўсимликлар ўзи; тиканак**. **Тикан ўсган жой**. **Тиканларни чопиб ташламоқ**.

2 Нарсаларнинг ўткир тикансимон қисми. **Тўсиқ симнинг тикани**.

◆ **Кўзга тикан** кишиларга ёмон кўринган кимса ёки нарса ҳақида. **Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Тикан еган — кўзга тикан»**. М. Исмомиллий, **Бизнинг роман**. **Қора тикан** кишиларга ёмон кўринган салбий шахс ҳақида. — **Йўқ, фақат сиз яхшисиз, — деди Зулайхо истеҳзо қилиб**. — **Бошқаларнинг ҳаммаси қора тикан, ҳаммаси сизни кўролмайдилар!** П. Қодиров, Қадрим. **Қора тикан туз айн**. **Тиканак туз қ. тиканак**. **Тикан бўлмоқ** ўртада тўсиқ, ғов бўлмоқ. **Унинг [Зайнабнинг] бу ҳоли эрса менинг учун яхши эмас, у яна кўп вақт бизнинг оралиғида тикан бўлмоқчи**. А. Қодирий, Ҳтган кунлар. **Тикан бўлиб кўринмоқ** ёмон, хунук бўлиб кўринмоқ. **Ҳамманинг кўзига тикан бўлиб кўринаётганга ўхшайман**. **Тикан устида ўтирмоқ айн**. **игна устида ўтирмоқ қ. игна**. — **Сипоричи қилсам-у, тикан устида типирчилаб ўтирсам, бари бир гап қовушмайди**. **Ундан кўра данал гап яхши: мен далага чиқмоқчиман, — деди Парлиев**. Й. Шамшаров, Енгиш. **Тиканга ағанамоқ (ёки думаламоқ)** тинчлигини йўқотмоқ, нотинч бўлмоқ, руҳий азоб тортмоқ, қийналмоқ. **Отабек қизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган**. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

**ТИКАНАК** 1 Тиканли ўсимликларнинг умумий номи. **Онахон.. тиканак босиб кетган ғўристон устидан тўғри темир йўл уस्ताхонаси томонга йўл олди**. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Чўққининг ўрта ерида, «Тошбулоқ» яқинида тиканак ва арча чўкиртакларидан гулхан ёқилгач, болаларнинг қувончи яна қанотланди**. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар. **Чақир тиканак** пояси ётиб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шаклли тикани.

2 айн. **тикан**. — **Оёқларимни ари талаб кетди!** — **деб типирчилаб ўти-**



риб олди. Болалар эгилишиб қарашса, ари деган нарса кўринмасди. Фақат пайпоғининг ҳамма ёғига тиканақлар ёпишиб олганди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Абдусамат] ўғай отанинг кўзига тиканақ бўлмаслик учун бир бурчакка тикилиб ухлаб қолар эди. Ойбек, Навоий.

◆ **Тиканак туз** новотсимон кристалланган йирик туз. Бало-қазони ҳозир даф қиламиз. Битта товоққа кул солиб, тиканак туз билан бир кафт сириқнинг донидан олиб келинг. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Чақир тиканак бўлмоқ** айн. **тикан бўлмоқ** қ. **тикан**. Чақир тиканак бўлиб уларнинг орасини айришига урунмоқдамен. Ойбек, Навоий.

**ТИКАНАКЛИ** Тиканаги, тикани бўлган; тиканли. *Тиканакли сим.*

**ТИКАНЗОР** Тиканли ўсимликлар ўсиб ётадиган, тиканли ўсимликлар билан қопланган. *Тиканзор чўл.* ■ Сувсизликдан қақшаб, худди скелетларга ўхшоб қолган янтоқ ва тиканзорлар майдони. Тўғони, Сўнгги саёҳат.

**ТИКАНЛИ** 1 Тикани бор, тиканлар билан қопланган. *Тиканли дарахт.* Тиканли ўсимлик. ■ Туялар олдида янтоқ ташланган ва улар игнадай тиканли бу хашиқни, қари одамлар пашмак ҳола егандай, осонлик билан ютмоқда. Айний, Қуллар.

2 Тиканаксимон ўткир пилхлари бўлган. *Оқоплар, блиндажлар, тиканли симлар унга томошга арзийдиган ғалати нарсалар каби туюлди.* Ойбек, Күеш қораймас.

3 кўчма Кишига қаттиқ ботадиган, озор берадиган; аччиқ, ёқимсиз. *Хусайн Бойқаро отда туриб, асирга бирнеча аччиқ, тиканли сўзлар отди-да, қўли билан навкарларга қолиб жўнанагар, деган ишорат қилди.* Ойбек, Навоий. *Куз кечаси.. Совуқ шамол баданни тиканли тили билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

**ТИКИЛИШМОҚ** тикилмоқ II фл. бирг. н. Олимов билан Марҳамат баланд тош устига чиқиб, овоз келган томонга тикилишиди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Раънонинг ҳам кўзи унга [Анварга] тўқнашиб, бир оз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишидилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТИКИЛАМОҚ** Бир маромда узуқ, паст овоз чиқармоқ, «тик-тик» этган овоз бермоқ. *Девор соат гўё Акраминг қолган умри ҳисобини қилаётгандай.. тўхтовсиз, эринмай тикиллар эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ТИКИЛМОҚ** I тикмоқ фл. мажҳ. н. Бир кунда юзта кўйлак тикилди. *Ўтлоққа ўтовлар тикилди.* Майдонга баланд дор тикилди. Чўққига қизил байроқ тикилди. Эзгу иш учун бош ҳам, жон ҳам тикилди. ■ У [Фотима] енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юпка кийган эди. П. Турсун, Ўқи-

тувчи. *Кечқурун биёбонда Тикилди юз палатка.. Куй янгради гармонда, Файз бағишлаб ҳаётга!* Ё. Мирза.

**ТИКИЛМОҚ** II I Кўз узмасдан қарамоқ, узоқ қарамоқ; диққат-этибор билан, разм солиб боқмоқ. *Қириб кетди синфра эркам, Туриб қолдим тикилиб кўп вақт. Унутмайман бу дамни ҳеч ҳам, Ота учун шунинг ўзи бахт.* Ё. Мирза. *Ғуломжон қизнинг чап қулоғини тўшиб турган жингалак зулфиға тикилиб тўхтади.* М. Исмоиловий, Фарғона т. о. *Матқовул.. ёш ўрнида ғазаб тўла кўзлари билан минбошига тикилди.* М. Исмоиловий, Фарғона т. о. I Кўз тикмоқ. Тикилган қозон қайнамас. Мақол.

2 кўчма Қасд қилмоқ, қасдига тушмоқ. [Шерали] *Тикилган душмандан олади ўчини.* «Эрали ва Шерали». *Кўпчилик тикилса, тоғ қулайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сенинг бошинга тикилган бу балоларни ўзининг ширин жонидан кечиб даф қилган Отабек сени сира ҳам унутмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИКИЛТИРМОҚ** тикилмоқ II фл. орт. н. *Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиргандан сўнра, агар маъқул тушса «хўп» дейди, гапига тушунмаган бўлса «хўши» дейди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИКИШ** I тикмоқ фл. иш оти. [Унсин] *маҳси тикишини, йўқчилик, муҳтожлик ичида яшашини Гулнордан яширган эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Китоб ўқишдан зериккан чоқларимда бичиши, тикиши билан машғул бўлиб, бу ҳунарни ҳам етарли даражада ўлаштирдим.* Айний, Эсдалкилар.

2 Тикувчилик, бичиш-тикиш ишлари, чок; тикувчилик санъати. *Зумраднинг тикиши гўзал, ипакни турлаши ҳам моҳирона.* Ойбек, Улуғ йўл. **Тикиш халтаси** тикувчи ёки каштачининг ип, ипақ, латга, ангишвона, игна ва ш. к. солиб қўядиган халтаси, ишпеч. *Гулнор кўча эшигидан ҳовлисига кираркан.. айвонга паранжисини отди, тикиш халтасини танчага ташлаб, устунга суяиброқ, бир муддат паришон туриб қолди.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Қаштачилик ва умуман дўзандалик йўли билан тайёрланадиган нарса (маҳси, дўппи ва ш. к.). *Энди сотишга ҳеч нарсам қолмаган эди. Яна тикиш тикдим.* Бу ўртада дадам қазо қилди. Ойбек, Қутлуг қон. *Тирикчилик тоши бениҳоят оғир бўлар экан. Бизларни зориктирмаслик учун аям тикиш тика бошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Хом теридан тилишлаб ясалган майин қайиш ип. *Мана буларни ямаб қўй деб жаҳл билан, олдими узилган-ямалган бир тўда қайиш, жазлиқ, юган — от абзалларини, бир биғиз ва бир нечта тикиш билан улоқтирди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ТИКИШМОҚ** тикмоқ фл. бирг. н. *Қорандалар қапа тикишиди.*

**ТИККА** I Тўппа-тўғри йўналган; у ёқ-бу ёққа бурилмайдиган, оғмайди-ган; адил, тўғри. *Станциядан қишлоғимизга тикка асфальт йўл қурилди.* ■ *Сўнгра у тикка, тўғри йўлда тушиб, силлиқ йўрғалади.* Ш. Сулаймон, Ота ўғли. || *Мастон иланг-биланг йўлни қолдириб, мўлжалланган тепаликка қараб тикка йўл солди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Юқорига ёки пастга тик йўналган; тик, вертикал. *Тикка қоя.* || *Тикка ўсган дарахт. Тутун тикка кўтарилмоқда. Найза ера тикка санчилди.* ■ *Ариқ қазувчилар эртасига келиб қарасалар, тикка жар ўтирилиб тушиб, ариқлари кўмилиб, теп-текис бўлиб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ғулсум тўлдириб келтирилган мешини ўноқ бошига тикка суяб қўйди.* Айний, Қуллар. *Қўрбоши кулиб юборди. Унинг амри билан полтон яна илгарий жойига келиб, чатаногини кериб тикка турди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Адолат ҳажжондан тикка туриб олиб қарсақ чалар, қувончдан азъоби бадани титрар эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Тепа сочи тикка турди (ёки бўлди) қ. тепа.*

3 *от айн. тепа* 4. *Кулранг осмоннинг олис-олис бурчларида юлдузлар мил-тиллайди. Ҳов ана, тиккада ёрқин бир юлдуз-тонг юлдузи порламоқда.* Х. Ғулом, Сенга интиламан.

4 *реш* Тап тортмасдан, қўрқмасдан; дадил, тик. *Бетиға тикка айтмоқ. Тикка олишмоқ.* ■ *Ёвга қарши тикка босиб борганман.* Т. Тула. *Нега сен менга тикка гапирадиган бўлиб қолдинг? Мирмуҳсин, Умид.* I Тўппа-тўғри. *Ишга кетаётиб, йўлда неча хил йўларга борди: ҳозир тикка Саидийнинг олдида бориб муштлашамми?* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТИККАЙМОҚ** Вертикал ҳолатда бўлмоқ, оёқларига ёки асосига таянган ҳолда тикка турмоқ. *Тепа сочи тиккайди. Қулоқлари тиккайди.* ■ *Илон изи каби буралиб оқётган Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг қирда тиккайган дарахт кўринмайди.* Ойдин, Фарходлар. *Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидаги тиккайган нарсани букиб-янчиб ташламоқчи бўлгандек, пишқирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИККАЙТИРМОҚ** тиккаймоқ фл. орт. н. У [отин ойи] .. оқ дока рўмол устига бир қора дурран тиккайтириб боғлаб қўярди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТИККАЙТМОҚ** тиккаймоқ фл. орт. н.

**ТИККАЛАМОҚ** I У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тикка, тўппа-тўғри йўналмоқ. *Шолипоядан тиккалаб бормоқ. Тиккалаб кўтарилмоқ.*

2 *кам қўл.* Вертикал ёки шунга яқин ҳолатга келтирмоқ, тик қилиб қўймоқ. *Минорани тиккаламоқ.*

**ТИККАЛАНМОҚ** I тиккаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 Тик, юқорига келмоқ, *Кечаси ал-*

лавақтгача идорада ишладим, худди «Қозик юлдуз» тиккаланганда келиб ётдим. Х. Шамс, Душман.

**ТИККАЛАТМОҚ** тиккаламоқ 2 фл. орт. н. айн. тиккаламоқ 2. Бу соққа қўғирчоқни қандай қўйманг, барибир ўз холига қайтариб, тиккалатиб қўяди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ТИККАМА-ТИККА** рви Тап тортмасдан, қўрқмасдан, рўбарў келиб; дадил. [Махсум] чол билан тиккама-тикка олишишдан кўра, ялинишни афзал кўрди. А. Муқимов, Ҳашарот.

**ТИККАСИГА** рви 1 У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тиккалаб, тикка; тўппа-тўғри. Чўққиға тиккасига чўқмоқ. Дала ўртасидан тиккасига йўл солмоқ.

2 кўйма Тап тортмасдан, қўрқмасдан; дадил, тикка. Зайнаб яна кўзида ёши, Ва туташиб ичи ва таши, Ғазаб билан ўрнидан турди, Тиккасига ичкари юрди. Х. Олимжон.

**ТИКЛАБ** рви Тиккасига, тиккалаб, тикка. Душманга қарши баланд қир устига тиклаб кўтарилган танкетка биринчи дафъа ҳужумга бошлади. Х. Саидаҳмад, Мастура.

**ТИКЛАМОҚ** 1 Вертикал ёки шунга яқин ҳолатга келтирмоқ, тикка қилмоқ, тикка қилиб қўймоқ. Йиқилган ғўза туллари тикламоқ. ■ Жўрапошиш настага тушиб, шотини тиклаб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Султон бўзчи камон сингари эзилган қаддини .. тиклаб, базўр ўрнидан турди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

2 Қурмоқ, бинно қилмоқ, бунёд этмоқ. Утган илнинг баҳорида мана шу жойни тиклаб олдим. М. Абдулла, Қутилмаган меҳмон. Қурилиш майдонида иш жадал .. Биров палатка тиклапти, иккинчи бир киши чертёжларга белгилар қўйяпти. С. Кароматов, Бир томчи қон.

3 Бузилган, ишдан чиққан, ҳароб бўлган ва ш. к. нарсаларни асл холига келтирмоқ, тузатмоқ. Архитектура ёдгорликларини тикламоқ. Хўжаликни тикламоқ. ■ Водоканчани тиклагани гишт, қум ташиш керак бўлганида отининг туёғига миҳ қоқиб оқсатиб қўйган ким эди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Унутилган, йўқ бўлиб кетган ва ш. к. нарсаларни юзага келтирмоқ. Алоқани тикламоқ. ■ Умид эслаб-эслаб, кейинчалик она аллосининг дярлик ҳаммасини тиклаб олди. Мирмуҳсин, Умид. | Бекор қилинган, рад этлган ва ш. к. нарсаларни қайта жорий қилмоқ, қайтариб бермоқ. Ҳуқуқини тикламоқ. Унвонини тикламоқ. Стажини тикламоқ. | Қайта ўз ўрнига, ишига қўймоқ. Директор ноҳақ ишдан бўшатилганларни яна тиклади.

4 диал. Кўз узмасдан қарамоқ, тикламоқ. Терсақ дамини ичига олиб, тишини-тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди. «Равшан». Гаждимбек шундайин тиклаб қараса, Ота деди, бир боланинг товуши. «Гўрўғли».

**ТИКЛАНМОҚ** 1 тикламоқ 1—3 фл.

мажҳ. н. Нарвон тикланди. Алоқа тикланди. Унинг ҳуқуқи тикланди. У ўз вазифасига тикланади. ■ Унинг [иморатнинг] ўпирилиб тушган жойлари синиқ пишиқ гишт, гувалак билан тикланган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У [Ғазиддин] биринчи бор учрашгани беҳтир Шербекнинг хотирасида тикланди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 тикламоқ 1 фл. ўзл. н. Тўсатдан .. дам ғужанак бўлиб, дам тикланиб, дамини чиқармай азоб тортаётган новча қотма бир киши [Меҳрининг] кўз ўнгига келди. С. Анорбоев, Меҳр. Урушининг номидан ҳам Ғазаб-ла жирканасан. Тинчлик солдату бўлиб, Отланиб тикланасан. Қ. Муҳаммадий.

**ТИКЛАТМОҚ** тикламоқ 1—3 фл. орт. н. Ёдгор шердай бўлиб белин бойлади, Шу қоргага от тиклашиб ҳайдади. «Ёдгор».

**ТИКЛАШМОҚ** 1 тикламоқ 1—3 фл. бирг. н. Қолхозчилар ётиб қолган ғўза туллари тиклашмоқда.

2 с. т. Рўбарў келиб уришмоқ, жанжаллашмоқ, тортишмоқ. Улар бир-бирлари билан тиклашиб қолдилар.

**ТИКМА** I Ип билан тикланган. Тикма этик.

**ТИКМА** II қ. х. Уруғликни сепаб эмас, балки уяларга кўмиб экиладиган ва шу йўл билан экилган. Тикма экин.

**ТИКМОҚ** 1 Игна-ип билан чоклаб уламоқ, бириктирмоқ, Ярани тикмоқ. Қопнинг оғзини тикмоқ. ■ Даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Шу йўл билан бирор нарса тийёрламоқ, ҳосил қилмоқ. Дўппи тикмоқ. Қўйлак тикмоқ. Эттик тикмоқ. Қашта тикмоқ. ■ Ишни олиб ҳар кун ёнинга, Зехн қўйиб қашта тикасан. Энди билсам, онажонингга Байрам кунини совға этасан. И. Муслим.

2 Суқмоқ, тикмоқ, қадамоқ; ўрнатмоқ. Экспедициячилар самолёт учун ўзларича қулай жой танаб, кичкина байроқча тикиб қўйган экан. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

3 айн. эвмоқ, Ерга уруғ тикмоқ. Чигирткалар экин ер, эмай-тикмай текин ер. Мақол. ■ Кун исини билан .. ариқлар қуриган. Мўл ҳосил ундирмоқ ниятида экин тиккан деҳқон бор сувни олтин тортгандай мисқолаб сарфайди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

4 Қурмоқ, тикламоқ, бинно қилмоқ. Утов тикмоқ. Қапа тикмоқ. ■ Хусайн Бойқаро .. Жонушон ва Испарайн деган мавзулар ўртасида чодир тиккан эди. Ойбек, Навоий.

5 Болалар ўйинида: ганақни маълум тартибда териб қўймоқ, жойламоқ, Иккитадан ёнғоқ тикмоқ. | Қиморда: ўртага пул ёки бошқа нарса қўймоқ. Отаси ўлиб катта меросга эга бўлган бойваччаларнинг кўпи .. пул тикиб хўроз уруштириб рохатланар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. Бой беради-ю, ўзи ютмагунча ўйинни тўхтатмайди, ҳеч нарсаси

қолмаганда бутун аъзоларини битта-битта тикаверади, қўли, бурни .. бориники — занжирлаб ташланг, бари бир ўйнайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Турли ўйин ва мусобақаларда ғолиблар учун бирор нарса атамоқ. Мен, ҳаммаларининг гувоҳликларинида мусобақада бир қўй тикаман. Н. Сафаров, Дон.

6 кўйма Бирор кимса ёки нарса учун бахш этмоқ, бағишламоқ, фидо қилмоқ. Ҳақ иш учун ўз ҳаётини тикмоқ. Муҳаббат йўлида жонини тикмоқ. ■ — Мен бутун дунёمنى Раҳмонқулга тикканман, — Мухторхон бошиқ гапирди. Х. Гулом, Машғал. Катта маърақада қолхоз обрўси учун киши жонини тикса арзийди. Ойбек, О. в. шабадалар. Сангин кўкрагига гурсиллашиб уриб гапирарди: Бутун фикри-зикриمنى ўшанда [Муҳаббатда]-ю, бутун ҳаётимни шунга тиккан бўлсам-чи! А. Мухтор, Тугилиш.

◆ Кўз тикмоқ қ. кўз.

**ТИКРАЙМОҚ** диал. Тикка турмоқ, тиккаймоқ. Кампир бели букрайиб, қулоғи тикрайиб бораётибди. «Алпомиш».

**ТИКТИРМОҚ** тикмоқ 1—5 фл. орт. н. Костюм тиктирмоқ. ■ У [афанди] .. хотинига бир халтача тиктирди. «Латифалар». [Лутфинисонинг] ягона машаққати — қизига безак моллари тийёрлаш, янеи нухсалар топдириш, чеварларга тиктириш ва ҳоказолардан иборат. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИКУВ** 1 тикмоқ фл. иш оти. Иш тикув. Дўппи тикув.

2 Тикувчилик иши, касби, хунари. Тикув машинаси. Тикув фабрикаси. Тикувни ўрганмоқ.

**ТИКУВЧИ** 1 тикмоқ фл. иш оти. Дўппи тикувчи. Қийим тикувчи. Сўзана тикувчи. Эттик тикувчи. ■ Қомиланинг отаси — тикувчи зиёлинамо, мулоим киши. Ойбек, Нур қидриб.

2 айн. машиначи.

**ТИКУВЧИЛИК** тикувчи с. касб оти. Тикувчилик артели. Тикувчилик фабрикаси. Тикувчиликни ўрганмоқ. Тикувчилик билан шуғулланмоқ.

**ТИЛ** 1 анат. Оғиз бўшлиғига жойлашган, там-маза билиш, кишиларда эса, бундан ташқари, нутқ товушлари ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо. Иссиқдан итнинг тили осилган. Айтсам тилим куюди, айтмасам — дилим. Мақол. ■ Ольга Петровна .. касалнинг тилини чиқартириб кўрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ҳайвонларнинг гўшт сифатида ишлатиладиган шундай органи. Қовурилган тил.

2 Инсоннинг сўзлаш, гапирishi қобилияти; гап; сўзлашув. Хотиннинг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантқиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гапирмоққа тили йўқдир жонивор, Рустамнинг бошида айланиб турар. «Рустам». Муттаҳамларнинг тилини ке-

сиб, унини ўчирадиган жой топилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тили** бормайди бирор нарса дейишга ботинолмайди, оғзи бормайди. *Қўнғалига келган гапни очиб айтишига Низом-жоннинг сира тили бормасди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Тили келишмайди** (ёки келмайди) талаффуз қилолмайди, айтолмайди. [Хамроқулни] чақирган киши томошабоғнинг қоровули Уста қуллол эди. Унинг асли оти Стокгулол, Хамроқул айтишига тили келишмай, Уста қуллол қўйиб олган. А. Қаххор, Томошабоғ. **Тил тегишмоқ** бирор кимса ёки нарса шайнинг номатлуб гап айтмоқ. — *Хай, баттол, имонга тил тегишма! — деди махдум.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тили чикди** 1) гапирини ўрганга бошлади, гапирга бошлади (бола ҳақида). [Боланинг] тили бирам ширин бўлиб чиққанки, сира қўя берасиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) кўчма тап тортмай гапирадиган, тортишадиган, айтишадиган бўлиб қолди. [Марасул:] Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқаритил! А. Қаххор, Оғрик тишлар. **Тили қичиди** гапиргиси келди. *Жўра оти ҳақида вақт жим тургандан, ўйланиб қолгандан кейин ва ш. к.).* Ниҳоят ўғлига енгиллик бериш ниятида ҳожки тилга келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма ишга тушмоқ, ишлай бошламоқ (овоз чиқариб ишлайдиган нарса ҳақида). Кейин онда-сонда милтиқ тасир-тасури эшитилди ва қўл пулемёт тилга кирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тилга олмоқ** бирор кимса ёки нарса ҳақида гапириб ўтмоқ; гапда, нутқда кимсанинг, нарсанинг номини айтмоқ, эсламоқ, оғизга олмоқ. *Қизимни тилга олдинг, раис, тўғри, ўзи ҳам тинчимайди, дангасаларга ҳам тинчлик бермайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Тилидан гулламоқ** кераксиз, ортиқча ёки сир сақланадиган гапларни гапиршуурий равишда айтиб қўймоқ; валақламоқ. *Иккинчи тиёлани .. ўтирган ўрнимиз йўқолмасин», деб ичишди.* Шундан сўнг *Ашир тилидан гуллади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Тилидан илинмоқ ай.** оғзидан илинмоқ қ. илинмоқ. **Тилидан туширмаслик** (ёки кўймаслик) доим гапирини, такрорлаш, эшлаш; унутмаслик. *Бу ҳикояни у тилидан қўймайди.* Унинг тилидан номингиз тушмайди. **Тилдан қолмоқ** сўзлаш, гапирини қобилиятини йўқотмоқ. *Гапирай ҳама, тилдан қолганга ўхшайди.* С. Аҳмад, Ляъли Вадахшон. | Гапирини, сўзлаш тарзи, характери. *Унинг тили чучук.* **Тили бурро.** **Тили ширин.** **Тили аччиқ.** **Тили ўткир.**

3 Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган говушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси. *Рус тили.* *Француз тили.*

Она тили. Чет тиллар институти. — *Тил билмаслик биринчи ҳафталарда уларни [рус билан йўлчини] қаттиқ қийнади. Лекин сўзлашув учун уларда кучли орзу, руҳий зарурат бўлганидан бу қийинчилик аста-секин йўқолаверди.* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода воситалари билан ажралиб турадиган бир тури; стиль, услуб. *Бадий адабиёт тили.* *Сўзлашув тили.* *Газета тили.* *Бола тили.* *Навоий тили.* *Ойбек асарларининг тили.* — *Бу ер «тўқув цехи», бўйчилар тили билан айтганда — дўконхона.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Фикр ифодалашда ўзаро алоқа жараёнида юзага келадиган ибора, гап, сўз, нутқ. *Тил қиличдан ўткир.* *Мақол.* *Тўғри тил тошини ёради, эгри тил — бошини.* *Мақол.* *Одамнинг дили билан тили бир бўлсин.* *Мақол.* *Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.* *Мақол.* — *Биринчи хил муҳаббат тилда, иккинчи хил муҳаббат — дилда бўлади.* А. Қаххор, Хотинлар.

6 ҳарб. Керакли маълумот олиш мақсадида олинган ҳарбий асир. *Қўмондонлик Остонақуллар келтирилган «тил»дан ҳужум жангининг планини тузиш учун энг керакли маълумотларни олди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

7 кўчма с. т. Асбоб, механизм ва ш. к.нинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми. *Соатнинг тили.* *Компаснинг тили.* *Қўнғирқонинг тили.*

8 кўчма поэт. Тилга ўхшаш, учли нарса. *Шамол кучайиб оловнинг тили яна ҳам узунлашди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тепага кўтарилган қўёш ўтли тили билан ер бағридаги барча намини сўриб оларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қўёш ҳароратидан баҳраманд бўлган майса, Қиёқ тилларини чўзиб, нурга қасида куйлар.* Ғ. Ғулум. | Таъсирчан, қаттиқ таъсир қиладиган, ўткир нарса (кўпинча изғирин, совуқ ҳақида). *Қуруқ совуқ.* *Кеч қўнғирқонинг изғирини шамоли муздек тили билан йиғит ва қизнинг юзини ялайди.* Ф. Мусаёнов, Хури.

9 Бирор нарса, воқеа ва ш. к. моҳиятини, сирини ифодаловчи восита; йўл, усул. *Формула тили билан айтганда .. Ернинг тилини билмоқ.*

— *Руслам дехқончилигининг тилини яхшигина ўрганган.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ургатади Қостя Қамбарга Битта-битта милтиқ тилини.* Х. Пулат.

◆ **Тили бир** фикри, мақсади, қиладиган иш бир; бир фикрда, келишиб олган, тил бириктирган. — *Сизларнинг ҳаммаларингиз ўғри, ҳаммаларингизнинг тилингиз бир!* — деди ўрнидан туриб Муллаверўз. Айний, Қуллар. **Тили узун** тап тортмай, ҳижолат қилмай, дангал гапираверадиган, ҳар нарса дейишга ҳадди сизгадиган; бемаъл гердайнб гапирга оладиган. — *Бегимхоннинг тили узун бўлиб кетди.*

Энди у нима деса, дея олади, қани, Адолат унинг оғзини ёпиб кўрсин-чи, ўша майда тишларини қочиб олади *Бегим!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тили қисик** (ёки қисқа) бирор айби, камчилиги туфайли дадил гапирини, эътироз билдиришга ботинолмайдиган ёки ҳадди сизгадиган. *Тил учиде шунчаки кўнғил учун, носамимий.* *Қаттадан қичикка оғзидан бол томиб муомала қиладиган хола негадир мен билан тил учиде сўзлашиб қўя қолди.* Т. Алимов, Дашу. **Тил бириктирмоқ** бирор иш-ҳаракат ҳақида махфий равишда ўзаро келишиб олмоқ, гаши, маслаҳатни бир ерга қўймоқ. *Ҳоким ҳам Тешабой билан тил бириктирган-дек, кўнмади: Йўқ-йўқ!* *Асло-асло!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тил топмоқ** (ёки топишмоқ) бир-бирини тушуниб топишиб олмоқ, бир-бири билан топишиб бирга ҳаракат қилмоқ. *Жомбойдаги реакцион гуруҳ Самарқанддаги маслақдошлари билан дарҳол тил топишиб қолган эди.* А. Мухтор, Тўғилниш. **Тил тортмай** (ёки торгмасдан) нафас чиқаришга ҳам улгурмасдан, бир нафасда, бир онда. *Э, ёлгон гапирётган бўлсам, тил тортмай ўдай, имонсиз кетай!* С. Аҳмад, Хукм. **Тили ёради** ўта ширин, шираси ўткир, ширадор (қовун, узум ҳақида). **Тилини тиймоқ қ. тиймоқ** 1. **Тилини тишламоқ** (ёки тишлаб қолмоқ) 1) гапдан ўзини тиймоқ, жим бўлмоқ. *Йўқ-йўқ!* *Оғзингни юм, тилингни тишла, Адолат, урушга борганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалок бўлавермайди, фақат дижрон.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) қилмишига лўшаймон бўлмоқ; мулазм бўлмоқ. *Гаффоржоннинг феъли маълум бўлгани учун кўп киши айбни Умрига қўйиб эди, лекин Гаффоржон асарликка кетаётганда Умри шундай дод солдики, «айб Умрида» деганлар тилини тишлаб қолди.* А. Қаххор, Хотинлар. **Тилини қайрамоқ** бирорга қарши гапирмоқ; ғийбат қилмоқ. *Алишер Навоийга қарши тилларини мунча қайрай бердиларинг?* Ойбек, Навоий. **Тилини қисмоқ** (ёки боғламоқ) қ. қисмоқ. **Тилимнинг** учиде турибди эслаяпман, лекин ёдимга келтиролмай, айтолмай турибман.

**ТИЛАК** 1 Бирор нарсани, амалга ошириш учун бўлган интилиш; истак, хоши. *Бўзагар Отабекни кимнинг боласи эканлигини яхши билгани учун ҳамма ишни унинг тилагига қараб қилар .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ишладан қўрқмайман, лекин, қўлга тушсам, ҳамма тилакларим барбод кетади, деб қўрқаман.* Айний, Қуллар. [Ҳаёт:] *Қошқийди саводим бўлса, дард ва ҳасратларимни, тилак ва истакларимни хатга солиб юборсам!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мамасид билан сизнинг киндигингиз бир эмас. Уни қўяверинг. Унинг тилаги менга маълум.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уста узун ва қалин мўйловини қимирлатиб, Ойқизни юпатиш*

тилагида гапирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бирор кимса учун билдирилган ёки кўнгилда тутилган эзгу истак. *Навоий ҳақида айтилган дуо ва тилаклар гумбурлаб, жомининг азамат пештоқларини янгради.* Ойбек, Навоий. *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизгин табриклари, ҳайрли тилакларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қўллар яхши тилаклар билан юз-кўзларга, соқолларга суртилди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

3 с. т. Бирор истак ёки эҳтиёж билан кимсага қилинган мурожаат; илтимос. *Сиздан битта тилагим бор.* — *Менинг биринчи холис тилагим, албатта, мазлум халқ тилидан бўлади:* бундан сўнгра Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЛАҚДОШ** Қимсанинг ўз тилагига, орзу ёки мақсадига эришувини истовчи киши; хайрихоҳ.

**ТИЛАҚНОМА** Қимсага эзгу тилаклар истаб ёзилган хат, мактуб. *Янги йил тилақномаси.*

**ТИЛАМОҚ** 1 Хоҳламоқ, истамоқ. *Қўнглингиз нима тилайди? — У [Саидий] бу гапларнинг тугагини ва Шарифнинг кетишини тилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кимсага яхшилик ёки ёмонлик истамоқ; кимсага эзгу истак билдирмоқ. *Бирова ўлим тилагунча, ўзинга умр тила.* Мақол. — *Шу билан бирга сизларга узоқ умр, тани сижатлик, ўқшда ғайрат тилаб қоламиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Отабек ва Али] дастурхонни йиғувчи келинчака ўғил тилаб дуо қилгандан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма нули бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эҳ-ҳе, иш катта-ку. Омад тилайман, чўталдан чўзасизда, Мир Исҳоқ ака.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

3 Бирор истак ёки эҳтиёж билан кимсага мурожаат қилмоқ; илтимос ёки илтижо қилмоқ; сўрамоқ. *Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман, Ширвон элда Зулхумрга бораман.* «Равшан». *Ғуноҳини тиламоқ* ғуноҳидан ўтқиш, кечиришни сўрамоқ. *Ҳакимбойвачча ўрис амалдорларидан унинг [Йўлчининг] ғуноҳини тиласа .. Булар ҳарнима бўлмасин, сизга қариндош-ку.* Ойбек, Қўтлуғ қон. 1 Тиланчилик қилмоқ, тиланчилик қилиб бирор нарса сўрамоқ. *Жулдур-жулдур қўсқига ўраниб олган буқри чол, .. аяч овоз билан ёлвориб бир нарса тилади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Тилаб олган боламини эчки тепиб ўлдирди** қийинчилик билан қўлга киритилган нарсасидан ажралганлик ҳақида айтилаётган мақол.

**ТИЛАМЧИ** с. т. Тиланчи, гадоёй. **ТИЛАНИШМОҚ** тиланмоқ 2 фл. бирг. н. *Жулдур-жулдур кийинган ориқ болалар йиғлашиб тиланишди.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ТИЛАНМОҚ** 1 тиламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Кетувчиларга оқ йўл тилан-ди.*

2 Тиланчилик қилмоқ, гадоёйлик қилмоқ. [Ҳайдар] ҳар кун бозорларни айланиб, қаландарлар одатича, ғоят оддий тирикчилик учун керакли нарсаларни тиланиб топарди. Ойбек, Навоий. *Биз каби эшикларда Тиланганлар кўп. Қаро ерга бош қўйиб Беланганлар кўп.* Ғайратий.

3 Ялинмоқ, ёлвориб сўрамоқ. *Тиланиб, бир китобни зўра оддим.*

**ТИЛАНЧИ** Кишилардан бирор нарса тилаб тирикчилик қилувчи киши; гадоёй. *Очлар, юпунлар кўп. Тиланчилар орқангиздан эргашгани эргашган.* Х. Ғуллом, Ҳамкасблар гурунгида. *Зокирбой унинг [Ҳодиқулнинг] рўпарасида садақа сўраб келган тиланчидай бир лаҳза сўзсиз турди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. «*Масжиди жами*» бўйлаб ҳар қадамда гадоёй: қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ТИЛАР-ТИЛАМАС** айн. истар-истамас. *Офтоб ойим .. тилар-тиламас «ўзингиз биласиз» жавобини берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дилдор тилар-тиламас конаертни қўлига олди.* *Хатга қараб ранги оқарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ТИЛАШМОҚ** тиламоқ фл. бирг. н. *Хатто тилдан қоламан касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашган» хали эрта» дермикан, деган умид билан дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ зўр умид билан қарагани деб биламан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ТИЛДИРМОҚ** тилмоқ фл. орт. н. *Тахта тилдирмоқ.* — *Пичоқ билан гўштигини тилдираман, Бўйнингга чилвор боғлаб остираман.* Пўлкан. *Гулеунининг билмаганин билдирди.* *Ханжар урмай жигар-баргин тилдирди.* «Ширин билан Шакар».

**ТИЛЁҒЛАМА** 1 Тил учидаги мунофиқона хушмуомалалик, ширин сўзлик билан кишининг кўнглини овловчи ёки алдовчи; лақиллатувчи, иккиюзлама. *Тилёғлама одам.* || *Шу топда қўққисдан: «Қўшнилар сени ўлгудек тилёғлама дерди-я, дарҳақиқат, шакаринг тилингда, захаринг дилингда экан!»* — деган товуш эшитилди. М. Мухамедов, Қўшнилари.

2 Бировни лақиллатиш мақсадида айтилган, ёлғондакам. *Тилёғлама гап.* — [Қосимжон:] *Қўйинг, мен бундай тилёғлама сўзларга энди ишонмайман.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

**ТИЛЁҒЛАМАЛИК** 1 тилёғлама с. белги оти. [Азиз:] *Айтдик, Қомилжон ака, қанча марта айтдик, лекин у кишига дўстларининг аччиқ гапидан хушомодгўйларнинг тилёғламалиги аъло кўринса, нима қилайлик?* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

2 Тил учидаги мунофиқона хушомад-гўйлик, ширин сўзлик; иккиюзлама-

чилик. *Мажиддиннинг кўзида кучли саросима очиқ сезилса ҳам, у тилёғламаликни яхши бажарди.* Ойбек, Навоий.

**ТИЛЁҒЛАМАЧИ** айн. тилёғлама. **ТИЛЁҒЛАМАЧИЛИК** айн. тилёғламалик 2. *Ҳасан очви эллиқбошининг тилёғламачилигига эътибор бериб ўтирмади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТИЛИК** айн. тилим. *Бир тилик қовун.* — *Улоқчи сопиға феруза қадалган чиройли пичоқ билан умбурвоқидан бир тилик кесиб Ўсаржонга узатди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бекат биноси устида гумбаз. Бу гумбазда санчилган узун калтак учида ҳандалакнинг бир тилигидай ой рамзи.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТИЛИКЛАМОҚ** айн. тилимламоқ. [Қовунни] шартта узиб толнинг тагига бордим. *Тиликлар ея бошладим.* Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

**ТИЛИМ** Нарсаларнинг узун-узун қилиб тилиб, кесиб ажратилган ҳар бир бўлаги; тилик. *Бир тилим гўшт.* *Бир тилим чарм.* — *Қишлоқ йўлига бурилганимда, адир орқасидан қовун тилимидек оплоқ ой кўтарилди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ТИЛИМЛАМОҚ** Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тиликламоқ. *Гўштни тилимламоқ.* *Тарвузни тилимламоқ.* — *Эрматов .. ҳандалакларни .. тилимлаб, одамларга улаша кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бизнинг фожиамизнинг асл омилу бўлган Ҳомид эса гўё менинг қўлимда мушук каби ўйин бўлган, уни кулиб туриб, ўйнаб туриб, тилимламаган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИЛИМЛАНМОҚ** тилимламоқ фл. мажҳ. н. *Тилимланган гўшт.* *Тилимланган қовун.*

**ТИЛИМЛАТМОҚ** тилимламоқ фл. орт. н. *Гўштни тилимлатиб қўйинг.*

**ТИЛИМ-ТИЛИМ** Кўп жойидан тиланган, ёрилган ёки бир неча узун-узун тенг бўлакларга бўлинган, тилимланган. *Қовунни тилим-тилим қилиб кесмоқ.* *Гўштни тилим-тилим қилиб тузламоқ.* — [Худойқулнинг] *оёқлари совуқдан тилим-тилим ёрилиб кетган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Текис ерларда қоламан қор юки шамолдан тилим-тилим.* *Тоғлар боши оплоқ.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТИЛИНМОҚ** тилмоқ фл. мажҳ. н. *Ёғоч тахта қилиб тилинди.* *Тиканзорда юриб оёқларим тилиниб кетди.* *Тилингандан тиланган ёмон.* Мақол. — *Ваҳший, йиртқич қўлларда Сочинг юлинди.* *Таҳқир ханжари билан Кўксинг тилинди.* Ғайратий.

**ТИЛИШ** 1 тилмоқ фл. иш оти. *Тахта тилиш.*

2 Тилик, тилим. *Бир тилиш гўшт.* **ТИЛИШЛАМОҚ** с. т. Тилимламоқ. *Гўштни тилишламоқ.* *Чармни тилишламоқ.*

**ТИЛИШМОҚ** тилмоқ фл. бирг. н. *Улар кун бўйи тахта тилишди.* *Терини тасма қилиб тилишибди.*

**ТИЛКА** Бўлак-бўлак, пора-пора. **Тилка қилмоқ.** *Тилка бўлмоқ.* — Киз ҳам шундай остонасида Турди тўсиб ёпиқ эшикка, Кўшдан узилган Сайёра каби танҳо жигари тилка. Зуфия.

**ТИЛКАЛАМОҚ** кам қўлл. Парча-парча, тилка-пора қилмоқ.

**ТИЛКАЛАНМОҚ** тилкаламоқ *фл. мажх. н.* Ён бағирлардаги қовжираган ўтлақлар ёмғирдан қорайиб, жилға излари билан тилкаланиб кетган. А. Мухтор, Чинор. Хонлар панжасида тилкаланган юрт, Эл қонин сўрдилар бекар мисли қурт. Шайхзода.

**ТИЛКАЛАТМОҚ** тилкаламоқ *фл. орт. н.*

**ТИЛКАЛАШМОҚ** тилкаламоқ *фл. бирг. н.*

**ТИЛКА-ПОРА** Парча-парча, майда-майда қилинган; тилка-тилка. **Тилка-пора бўлмоқ** 1) парча-парча, майда-майда бўлмоқ, тилкаланмоқ. — Энди уйда қандай кираман? — деди Мансур тилка-пора бўлган кийим-бошига қараб. Ё. Шукров, Уч савол; 2) кўчма яқсон бўлмоқ, барбод бўлмоқ. Душман кўшини тилка-пора бўлди. Уларнинг қора ниятлари тилка-пора бўлди; 3) кўчма пора-пора бўлмоқ, вайрон бўлмоқ. Унинг юраги тилка-пора бўлди. **Тилка-пораси чиқмоқ** *айн. тилка-пора бўлмоқ* 1, 2. Кўприкнинг тилка-пораси чиқиб кетди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. **Тилка-пора қилмоқ** 1) парча-парча, майда-майда қилмоқ, тилка-тилкасини чиқармоқ. *Китобни ким тилка-пора қилиб ташлади?* — Осмон бағрида ахён-ахён ип тортган олов ранг чизиқлар зулматни тилка-пора қилар, олам эса тўс-тўполон ичига шўнғиб борарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) кўчма яқсон қилмоқ, барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ. Душман кўшинини тилка-пора қилдик. Маккорнинг шум режаларини тилка-пора қилиб ташлади; 3) кўчма пора-пора қилмоқ, вайрон қилмоқ. *Кўнглимни тилка-пора қилиб кетди.*

**ТИЛКА-ТИЛКА** *айн. тилка-пора.* Унинг қўл-оёқлари кишанланган, сочлари юлинган, кийимлари тилка-тилка қилинган эди. Ойдин, Гулсанам. Сен ҳам онасиб ўсган экансан, болам, «Она» дегин, менинг ҳам тилка-тилка бўлган юрагимга малҳам бўлади. А. Мухтор, Туғилиш.

**ТИЛЛА** [ф-т] 1 Химиявий элемент, сариқ-қизғиш рангли қимматбаҳо нодир металл; олтин. Бир грамм тилла. || *Тилла соат.* — Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз .. учун тилладан афзалдир. Ойбек, Навоий. Бўйнимда марварид, маржон, қўлларимда тилла билгаузуклар билан ухлаб қолган эканман. М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Тилла суви** нарсаларнинг юзини олтин билан қоплашда ишлатиладиган бўёқ. *Тилла сувини югуртирмоқ.*

2 Шу металдан зарб қилинган пул, ундан ясалган қимматбаҳо буюм; бой-

лик. [Канизакнинг] .. кўмиб қўйган тилласи йўқдир, кўмиб қўйган тилласи бўлганда бўйдоқ йиғитга тегар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 тар. Қиймати ўн сўмга тенг бўлган тилла танга. *Ҳожи қулимсираб қўлидаги уч-тўртта оқ танга билан битта тилла Ойбодоққа узатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Майсара чўпонга:] *Отанг раҳматликнинг сенга васият қилиб қолдириб кетган йиғирма тилла пулига қози эшоннинг тоғиб кетишларининг сабаби бор экан.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

4 сфт *вазифасида, кўчма* Энг яхши, қимматли ёки сеvimли киши ҳақида. *Низора кўрпада чалқанча ётиб хаёлга чўмди.* «Даданг билан бирга овега ҳам чиққанмиз, тилла одам эди», — деди ўша чўпон. *Дадаси тилла одам бўлганми-йўқми — Низора билмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. || — *Жўравойни айтмайсиэми!* .. Мен одамнинг бунақа тилласини кўрмаганман, — деди Умузроқ ота. Х. Гулом, Машғал.

5 бот. Воҳаларда, сугориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик, ялпоқ бошоқли ўсимлик.

6 Тилла (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ТИЛЛАДУЗ** [ф-т] кам қўлл. *айн. зардўз.*

**ТИЛЛАДУЗИ** [ф-т] кам қўлл. *айн. зардўзи.* У [Элчи] тўмтароқди сўзлар билан Тўмарисни қутлуғлар экан, мулозимлари тилладўзи чопон ва ҳарир қўйлақлар тузилган зарбоф бўғчани унинг оёғи остига қўйдилар. М. Осим, Тўмарис.

**ТИЛЛАКОР(И)** [ф-т] Тилла билан безатилган. *Тиллакор эзар.* — У [Хусайн Бойқаро] ўзининг тахти турган тиллакори хонга эмас, унга ёшиган кичик хонга кирди. Ойбек, Навоий. | Тилла билан безатилган хона ёки бино. *Лаънат деб Ҳасан нокаса, Аҳди-паймонда турмасга, Шундай деб айтиб ёрига, Боринди тиллакорига.* «Нигор ва Замон».

**ТИЛЛАСИМОН** Тилла ранг, олтиндек сариқ. *Тилласимон мевалар.*

**ТИЛЛАШМОҚ** с. т. 1 Бир тилдаги ган ёки нутқни бошқа тилга оғзаки таржима қилмоқ; ўртада туриб таржимонлик қилмоқ. Бу киши нима деяпти? Тиллашиб беринг.

2 Бир-бири билан тил топмоқ, бир-бирининг тилига, дилидагига тушунмоқ. Улар бирпасда тиллашиб кетишди. — *Иккаласи анордек қизариб, кўзлари орқали тиллашиб, шўх табассум билан чеҳралари атиреулдек очилиб, бир-бирларини туртиб, қувлашиб кетишарди.* А. Мухиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалби қиз.

**ТИЛЛАҚОШ** Хотин-қизларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешанага тақилладиган безак буюми. *Заргар ясар тиллақош, Келинқошлар тақсин деб, Йиғлаб олай маржон ёш, Оқ юзимга оқсин деб.* «Кўшиқлар». *Қўй, йиғлама, Биби-*

гулбека, фойдаси йўқ! Қани, бошингни олиб кел, тиллақошини тақай. Мирмуҳсин, Чўри.

**ТИЛЛАҚ УНҒИЗ** Баҳор, ёз, ойларнда пайдо бўладиган ярқироқ яшил рангли кўнғиз.

**ТИЛЛО** [ф-т] юқ. усл. Тилла, олтин. [Тошкентнинг] *табарруқ тупроғи зару тиллодан.* Шайхзода, Тошкентнома. *Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳидна олар эмиш.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТИЛМА** Тилимлаб кесиб ҳосил қилинган. *Тилма жўяк.* — *Тилма эвоурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сақраб ўтган Алижон қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди.* Х. Нуъмон, Фаслар.

**ТИЛМАЛАМОҚ** кам қўлл. Тилимламоқ, тилишламоқ. *Асл қизиг оламлар, Уни қизим тилмалар.* Шайхзода, Тошкентнома.

**ТИЛМОЧ** Бир тилдаги гап ёки нутқни бошқа тилга оғзаки таржима қилиб берувчи; таржимон. *Ҳоким гап нима тўғрисида кетаётганлигини тилмочдан сўраб, Тешабойга қўлиб қўйди — тарғил кўзларида ғалати бир сирнинг ўти чақнади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ТИЛМОЧЛИК** тилмоч с. қасб *оти.* Фарзанд қандай ширин! У вақти билан тилмочлик вазифасини ҳам ўташи керак, — деб ўйлади Қобилжон. Қ. Мақсудов, Муҳаббат қўшиғи. *Тил биланлар тилмочлик қилиб, хоннинг гагини қўнғиротларга тушунтирди.* «Ёдгор».

**ТИЛМОҚ** 1 Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тилимламоқ. *Қовунни тилиб қўймоқ.* *Гўштни тилиб тузламоқ.* — [Жамила:] *Бас! Бас! Бас! Уртаманг мени; эларимни ништар билан тилсинлар,.. мен сиздан ажралмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Умуман узунасига кесмоқ, бўлакламоқ. *Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ёғоч ёки тахтани узунасига арраламоқ. *Ёғондан тахта тилмоқ.*

3 Тирнаб ёки кесиб узун из ҳосил қилмоқ, узунасига арраламоқ. *Стал устидаги бир тахта ойна майда-майда бўлиб Саидийнинг билак ва панжакларини тилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Саломат бутун кучини йиғиб боғма-боғ ошиб кетди.* Тиканлар оёғини тилди. С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Из солмоқ, ёрмоқ. *Мажидов бригадасининг барча аъзолари .. кечалари машғала нурида ер бағрини тилар ва дон экар эдилар.* Н. Сафаров, Дон. *Жилганинг бошидан оёғигача сўжа билан тилиб ариқ очилса-да, тоғола билан ёнғоқ экилса.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Батрини** (ёки кўсини, юрагини, қалбини) тилмоқ юрагини доғламоқ, яраламоқ, вайрон қилмоқ. *Қалбни тилиб эда мунгли куй, Қулбаларга бош урғандай, Совет хабар кирди уйма-уй.* Э. Раҳим. *Тун ваҳимаси босиб келмоқда, Уқлар тинмай учар ҳар ёндан,*



Она қалбин алам тилмоқда: *Ўлмасай-дим куйиб армондан.* З. Днёр.

**ТИЛОВАТ** [а] дин. Қуръон ўқиш, қуръондан бир сура ўқиш. *Тиловат қилмоқ. Намоз тугаган, муллалар тиловатга ўтирдилар.* — *Сал ўтмай уйдан қорининг қуръон тиловат қилгани эшитилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ТИЛОҒОЧ** Ёғочи жуда қаттиқ, узун игна баргли дарахт.

**ТИЛСИЗ** 1 Оғиз бўшлиғида тили бўлмаган, тили йўқ.

2 Сўзлаш қобилиятига эга бўлмаган, сўзлай олмайдиған. *Бечора тилсиз жонивор эгасининг бу жиниликларига қулоқларини жимгина чимириб чидаб берган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлчи тилсиз каби, ғайри шуурий равишда бошини чайқади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *Кўчма Гапирмайдиган, индамас. Соя каби тилсиз хизматкорлар оёқ учида юриб, у ёқ-бу ёқни йиғишга киришган эдилар.* Ойбек, Улуғ йўл. || *Кутилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишни билмай, тилсиз, ҳаракатсиз ёғочдай қотиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *Кўчма Чурқ этган овоз эшитилмайдиган, жимжит. Бир кун тилсиз кечанинг Қуриб қўйнига, Ашурни йўқ қилишни Олди бўйнига.* Ғайратий.

◆ **Тилсиз ёв** гага тушунмайдиган, қулоқ солмайдиган; шафқатсиз, золим. *Курӯқ аёз — тилсиз ёв.* Мақол. — *Лашкарларимни ютар эди аждаҳо, Бўлмамдим тилсиз ёвга баробар.* «Ширин билан Шакар».

**ТИЛСИЗЛАНМОҚ** 1 Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, гапиролмай қолмоқ.

2 *Кўчма* Бирор эътироз ёки жавоб айтолмай, лол бўлиб қолмоқ.

**ТИЛСИМ** [а тилисм] 1 Сехрлаб қўйилган, сехрли нарса; ҳеч ким кира олмайдиған сехрли жой. *Тантйбойвачча бобилади: Дев пойлаған тилсимдан уни қайси мард олиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ишчининг бу сўзлари Сергейга тилсимнинг калитига ўхшаб туюлди.* Х. Ғулом, Машғал.

2 *Кўчма* Ҳар қандай сирли нарса; ажойибот. *Табиат тилсимлари.* — *Ваъда, ёлғонлар тилсими интизор этди мени.* Муқимий. *Бир олим тоғ қазиб маъданлар излар, бири тилсим очиб ердан топар қон.* С. Абдулла.

**ТИЛСИМЛАМОҚ** Сехру жоду қилмоқ, ҳеч ким кира олмайдиған қилиб қўймоқ; сехрламоқ.

**ТИЛСИМЛАНМОҚ** тилсимламоқ *фл. мажх. н.* Тилсимланган хазина. Тилсимланган қалъа.

**ТИЛСИМЛИ** 1 Сехрлаб, тилсимлаб қўйилган, тилсимланган. *Тилсимли хазина. Тилсимли қалъа.*

2 Ғайритабиий кучга эга бўлган; мўъжизакор, сехрли, сирли. *Бектемир еғй умрида ойни илк дафта кўргандек қизиқиб қаради, қизчага тилсимли, ғалати ўйинчоқни кўрсатгандек, бошини қимирлатди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТИЛСИМОТ** [а] 1 Тилсим, тилсимлар. *Табиат тилсимотлари.* — *Султонмурод ўзини аллақандай бир тилсимот ичида сезди.* Ойбек, Нав оий.

2 Сехр, жоду. *Жоду-тилсимотлар билан тоғни кўтарар.* «Муродхон».

**ТИЛХАТ** Қарз ёки бошқа бирор нарса олганлик ёхуд ўз зиммасига олинган мажбурият, ваъда во ш. к. ҳақида жавобгар шахс томонидан имзо чекиб тасдиқлаб берилдиған расмий ҳужжат. — *Отаненинг қирқ тилла қарзичи? — Қандай қарз, тилхати қани?* Ж. Шарипов, Хоразм. *Портретни дарҳол эгасига топшириб, тилхат олиб кел, бўлмаса, эртага сени ўзим тутиб бераман.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ТИЛЧА** 1 тил 1 с. кичр.

2 *анат.* Оғиз бўшлиғида юмшоқ танглайнинг орқа чеккасидан паства осилиб турадиған юмшоқ ўсимта.

**ТИЛЧИ** 1 Тил илми бўйича мутахассис.

2 *эск.* Гап ташувчи; чақимчи; жосус, шпйон. *Подшоларнинг қатнаб юрар элчиси, Элчиларнинг бўлар экан тилчиси.* «Алпомиш».

**ТИЛЧИЛИК** 1 тилчи 1 с. касб оти.

2 Тил билими, тилшунослик.

3 Гап ташиш; чақимчилик; жосуслик. *У бизнинг оқсоқол бўлиб, биз томондан тортишиб талашини лозим бўлса ҳам, амлақдорга тилчилик қилади.* Айний, Қуллар.

**ТИЛШУНОС** Тилшунослик бўйича мутахассис, олим; лингвист.

**ТИЛШУНОСЛИК** 1 тилшунос с. касб оти.

2 Тил ҳақидаги фан; лингвистика. *Тилшунослик масалалари. Тилшунослик тармоқлари.*

**ТИМ** I [ф-т] Бозордаги усти ёпиқ баланд том. «*Ғарча мой!*» *Унинг жарангли овози растанинг тимини тешгундай янгарди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Абдуллахон солдирган қуббали тимнинг ичи ари индик ғувиллар эди.* М. Осим, Элчлар.

**ТИМ** II «Қора», «қоронғилик» каби сўзлар олдидан ишлатиладиған кучайтирув юкламаси. *Тим қора соч. Тим қоронғи тун.* — *Отин ойи олтишларга борган, тишлари тушган, фақат тишқолидан тим қорайган икки тиши гапирганда лиқилаб турар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ТИМ** III диал. Мутлақо, сира, ҳеч. *Хон Далли бу сўзларни эшитиб, юрагида тим тоқати қолмади, эри мард Ҳасанга қараб, .. бир сўз деди.* «Равшан».

**ТИМБОН** [ф-т] Тим соқчиси, бозор қоровули.

**ТИМДАЛАМОҚ** 1 Тирноқлар ёки ўткир учли буюмлар билан тилмоқ, юлмоқ; тирнамоқ. *Мушук билан ўйнашма, тимдалаб олади.* — *Ҳорма, яхши келдингми? — деди Шукур чаноқлар бир оз тимдалаған қўлини узатиб.* Н. Орифжонов, Ҳаловат.

2 *Кўчма* Кишини ташвишга солмоқ,

юракни алағда, безовта, ғаш қилмоқ. *Мавлон аканинг кўнгли тинчимасди, уни аллақандай шубҳалар тимдалай бошлади.* Х. Ғулом, Машғал. У [Розик] ичини тимдалаб ётеан илтимосини дарров лўз этиб айтиб қўя қолмади. И. Уктамов, Ҳикоялар. **Юрагини** (ёки қалбини) тимдаламоқ 1) юрагини алағда, безовта, ғаш қилмоқ, ташвишга солмоқ. *Умарқул .. сабри чидмай, юрагини тимдалаб ётган дардидан гап очди.* Х. Ғулом, Машғал; 2) *кўчма* юракни яраламоқ; алам ўтказмоқ. *Уша алам унинг юрагини тимдалаб ўтди.* С. Аҳмад, Оқ падар.

**ТИМДАЛАНМОҚ** тимдаламоқ 1 *фл. мажх. н.* Қўлининг бир неча ери тимдалаған эди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Мели полвоннинг] шилиниб, тимдаланиб, қон доғлари билан қонланган юзи ва йиртилган қўйлагини кўрганда, барчани даҳшат босди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТИМДАЛАТМОҚ** тимдаламоқ 1 *фл. орт. н.*

**ТИМДАЛАШМОҚ** 1 тимдаламоқ 1 *фл. бирг. н.*

2 Бир-бирига чанг солиб уришмоқ, юлишмоқ.

**ТИМИ(Р)СКИЛАМОҚ** Пайпаслаб ёки титкилаб қидирмоқ, ахтармоқ. *Чўнтагини тимискиламоқ.* — *Кампир тимискилаб нимчасини топди-да, елкасига ташлаганча ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Уйлар. *Мадраим стол тагида турган чамадонни очди, тимискилаб, ниманидир ахтара бошлади.* М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

**ТИМИ(Р)СКИЛАНМОҚ** 1 **тимир(р)скиламоқ** *фл. мажх. ва ўзл. н.* Ёнидаги шериги Аҳмад ҳам .. тимискилана бошлади. Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

2 Пайпаслаб тахмин билан йўл топмоқ; урилиб-суриниб, қоқилиб юрмоқ. [Олахўжа] эшикка чиқди. *Қоронғи тор кўчада тимискиланиб Мама-саидникига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТИМИ(Р)СКИЛАТМОҚ** **тимир(р)скиламоқ** *фл. орт. н.*

**ТИМИ(Р)СКИЛАШМОҚ** **тимир(р)скиламоқ** *фл. бирг. н.* Болалар қоронғида **тимир(р)скилашиб** нимадир қидирадилар.

**ТИМИСКИЛАМОҚ** қ. **тимир(р)скиламоқ.**

**ТИМИСКИЛАНМОҚ** қ. **тимир(р)скиланмоқ.**

**ТИМИСКИЛАТМОҚ** қ. **тимир(р)скилатмоқ.**

**ТИМИСКИЛАШМОҚ** қ. **тимир(р)скилашмоқ.**

**ТИМРАЙМОҚ** кам қўлл. *айн. симраймоқ.*

**ТИМСОЛ** [а] 1 Тушунтириш учун ёки асос, далил, исбот ва ш. к. сифатида бир турли нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к.дан келтирилган айрим намуна; мисол. *Яна тилсол: ғўзал адабиёт — руҳий озиқ.* А. Қаҳқор, Сароб.

2 Ибрат бўла оладиған кимса, нарса; ўрناق. *Дўстликнинг тимсоли азали*



сенсан, Шоирлар илҳоми, ғазали сенсан. М. Икром. Замонамиз маърифатин, донишмандлигин Тимсолидир икки қўшни республикамиз. Ғ. Фулом.

3 Белги, рамз. Шода-шода кўсақда гавҳар ётибди. Тинчилигимиз тимсоли каптар ётибди. Ё. Мирза.

4 Кўз ўнгида, ҳаёлда, тасаввурда гавдаланган образ, сиймо, кўриниш, сурат. Оромим ҳам йўқолди. Кечалари ухлаёлмай, тўлғаниб чиқа бошладим. Сал мизғидимми, бас, яна кўз олдимда Ёқутхоннинг тимсоли гавдаланади. М. Салом, Кечирим.

**ТИМСОХ** [а] Иссиқ мамлакатлардаги сув ҳавзаларида яшайдиган, териси қалқонсимон қаттиқ ва қалин, судралувчи йирик сув хайвони.

**ТИМТИҚ** диал. Салқит, нишхўрт. Сиеир емнинг тимтигини ҳам қолдиради.

**ТИН** 1 Нафас олиш, нафас. Йиғиштириб бор бисотини, Бўғизига тиқилиб тини, Нури сари қилди ишора, Зайнаб учун бу бўйди чора. Х. Олимжон. **ТИН олмоқ** 1) нафас олмоқ. — Хайрият, — Абдураҳмонбой эркин тин олди-да, домлага қаради. Х. Фулом, Машғал; 2) нафасини ростлаб олмоқ, дам олмоқ. [Қодирбек] рулга бошини қўйиб бир оз тин олди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 Осойишталик, хотиржамлик; жимлик, сокинлик. Турсунали бу сўздан сўнг қолди бироз тин. Ғ. Фулом.

**ТИНГ** Хайдалмай, экилмай ётган; заранг. Тинг ер.

**ТИНГЛАМОҚ** Қулоқ бермоқ, қулоқ солмоқ; эшитмоқ. Лекция тингламоқ, Музика тингламоқ. Оз сўзла, кўп тингла. Мақол. — Шоирлар муаллиманинг сўзини тинлар экан, дам Михайловга, дам унинг станоеига тикилар эдилар. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ТИНГЛАНМОҚ** тингламоқ фл. мажҳ. н. Мажлисда раиснинг ҳисобот доклади тингланди. — Бу шаҳарнинг қалбига Қулоғин тутсанг, Хали ҳам тингланади Зор, йиғи-оҳанг. Ғайратий.

**ТИНГЛАТМОҚ** тингламоқ фл. орт. н. Бола йиғлайвериб ашулани тингламади.

**ТИНГЛАШМОҚ** тингламоқ фл. бирг. н. Йиғиланлар лекцияни мароқ билан тинглашди. — Ҳасан сўфи билан Алим бува Қудратнинг ўринли гапларини жон қулоқлари билан тинглашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Аҳмад жангчи», «Рустам достон» каби жангномаларни биронта саводли одамга ўқитиб тинглашар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИНГЛОВЧИ** 1 тингламоқ фл. иш. оти. Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак. Мақол. — Ашулаларим тингловчиларга қандай таъсир қилаётганлигини яққол кўриб турардим. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Ўқув юртлари студенти ёки курс, тўғарак ва ш. к.нинг ўқувчиси, талаба.

3 эск., грам. Иккинчи шахс.

**ТИНГШАМОҚ** диал. Диққат билан қулоқ тугмоқ; қулоқни динг қилмоқ.

**ТИНДИРГИЧ** Суюқликни тиндириш, ундаги қум, лойқа, эритма ва ш. к. чўктириб, суюқликни тозалаш учун хизмат қиладиган қурилма, ҳовуз ёки идиш. Трактор керосин бакининг тиндиргичи. Сув тиндиргич.

**ТИНДИРИЛМОҚ** тиндирмоқ фл. мажҳ. н. Лойқа сув челақларда тиндирилади. Вино хумларда тиндирилади. — Оломон ичида бир зум норозилик овозлари эшитилди-ю, сарбозларнинг аралашуви билан дарҳол тиндирилади. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ТИНДИРИШМОҚ** тиндирмоқ фл. бирг. н.

**ТИНДИРМОҚ** 1 тинмоқ фл. орт. н. Сувни челақда тиндирмоқ. Юпатиб кўз ёшини тиндирмоқ. — Ҳар томонда ишчилар Тошларни синдиради, Дарёни тиндиради, Темир тан курашчилар. Х. Олимжон. Душман саряд, миналарни бир зум ҳам тиндирмадан, омонсиз ёғдирар эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Сал ўтмай унинг ғазабли овози ҳамма шовқини тиндирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бартараф қилмоқ, тинчитмоқ, босмоқ. — Ўз «фозиям» ниҳоясидан ошай деб турса-ю, ўзгалар можаросини қандай қилиб тиндирар эканман. Ҳечам, — деди Қумри. М. Жўра, Изтироб.

3 Тинч қўймоқ, тинчиқ бермоқ, меҳнат, ғам-ташвиш, дард-алам ва ш. к.дан холи қилмоқ. Тиндирмай ишлатмоқ. Қулоғини тиндирмай шовқинламоқ. Иссиқ суюқ синдирмас, совуқ жонни тиндирмас. Мақол. — Кўнглингизга келмасин, Эркатой, деб Солини. Меҳнатда ҳам тиндирар Онасининг жонини. Қ. Мухаммадий.

4 Ҳамма нарсадан бадастир, саранжом-сарништа қилмоқ. Ханифахон сергапроқ бўлса-да, меҳнаткаш аёл чиқди, бутун рўзгорни тахт тиндирди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Кўзни тиндирмоқ** 1) кўзни қамаштирмоқ, чарчатмоқ. Қуёш нури том тунуқалари, оппоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма эс-хушини олиб, бошини айлантириб қўймоқ. Мунисхон балоғатнинг кўзни тиндирадиган чегарасига қадам қўйган. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТИНЖИРАМОҚ** фольк. Йилт-йилт нур сочиб турмоқ, ярқирамоқ. Жамоли чилланинг қоридай тинжираб ялтираб ўтирур. «Равшан».

**ТИНИБ-ТИНЧИМАС** Сира тинмайдиган, тиним билмайдиган, серҳаркат, серташвиш. Тиниб-тинчимас аёл.

**ТИНИМ** Ишдан, ҳаракатдан холи вақт ёки холат; дам, ором. Тиним олмоқ. Тиним билмай ишламоқ. — [Гулнор:] Нима қилай, Нури опа, тонг қоронғисидан бери менда тиним йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Отиноий унга [Элмуродга] тонг саҳардан кечаси ал-

лавақтгача тиним бермаса ҳам қорини ҳеч қачон ёлчитмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Икки ҳафтадан кейин, тиним кун, болохона тагида пайдо бўлган таниш машинадан Иноғомжон чиқиб, зина ёнига келди. Мирмуҳсин, Умид.

**ТИНИМОҚ** айн. тинмоқ 1. Сув тиниди.

**ТИНИМСИЗ** 1 Тиним билмайдиган, бекор, тинч турмайдиган; серҳаркат. Тинимсиз аёл. — Ҳеч тўхтамай бирор иш-ҳаракат бажарадиган, жим турмайдиган, тинмайдиган. Сада қайрағоч ва тол шохларида чирқиллашган тинимсиз чумчуқлар .. бўлмаса, гузарни пашша учса эшитарли жимлик қамрарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шу кечки чоқда .. Кундуз иссигин, Ҳаво босигин Тинимсиз еллар шимириб элтар. Шайхзода, Тошкентнома. || Кеча гўзал, дарё тинимсиз Ағдармоқда сойнинг тошини. Х. Олимжон.

2 Тўхтовсиз давом этадиган, узлуксиз; сурункали. Тинимсиз ҳаракат. Тинимсиз шовқин. || Тинимсиз ишламоқ. — Ўқи, ўз майлига қўймай, кўчага олиб тушилар ва тинимсиз, узлуксиз қийқириқ остида кўча ўртасидан олиб кетдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Қазақлар ва юнкерлар мастерскойни тинимсиз ўққа тутдилар. Бекмуродов, Унутилмас воқеалар. Салқин кеча. Қишлоқнинг ўртасидан шиддат билан оқаётган сой тинимсиз шовқилайди. Т. Расулов, Марҳамат.

**ТИНИМСИЗЛИК** тинимсиз с. белги оти.

**ТИНИТИЛМОҚ** тинитмоқ фл. мажҳ. н. Эритма яхшилаб тинитилди. **ТИНИТМОҚ** тинитмоқ фл. орт. н. Лойқа сувни тинитмоқ. Эритмани тинитмоқ.

**ТИНИШ** 1 тинмоқ фл. иш оти. Душман ёлғир тинишини кутган бўлса керак, Варшавкада ҳужумга ўтмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бу гап негадир тиниш ўрқига кўпайиб кетди. Х. Шамс, Душман.

2 айн. тиним.

◆ **Тиниш белгилар** грам. ёзувда текст бўлақларининг маъно тугаллигини ҳамда текстнинг синтактик ва интонацион ажралишини кўрсатувчи график белгилар (вергул, нуқта, тире ва ш. к.).

**ТИНИШМОҚ** тинмоқ 3 фл. бирг. н. Деҳқонлар ёзин-қилиш тинишмайди. — Болалар .. анча вақтгача шўхликни давом эттиришди. Сўнг, кампир бувининг дағдағаси билан тинишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИНИК** 1 Беғубор, тоза, мусаллоф. Тиниқ осмон. Тиниқ сув. — Закаври денгизнинг тиниқ қўянидан Қумуш ой нозланиб, қулиб боқади. Ўйғун. Тиниқ қони томчилар ерга, Поря-пора қилиб кўнелини. З. Диев. || Чўққилардан оқиб тушган бу сойлар ишидадек тиниқ. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда.

2 Порлаб турадиган, равшан, ёрқин. Йўқ, бу ўт сўнмади, балки, ахсинча

яна равшан тортди, ловуллаб ёниб тиниқ аланга олди. Ҳ. Ғулом, Ма-шъал. Жўраҳоннинг кўпчиликлари та-ниш, иссиқ юзи ҳаяжондан, столдаги тиниқ алвон шўъласидан қизариб то-ланар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқ-тасида қотган каби. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нур сочиб, қақнаб турадиган; нурли (кўз ҳақида). Нормат Черне-цовнинг .. тиниқ кўк кўзларига қа-ради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Ранги тоза, момикдай (юз, бадан ҳақида). Ёши ўттизларга бориб қолган, юзлари тиниқ, қорақош қиз Бектемиров би-лан кўришаркан, «Ҳақимова» деб фа-милиясини айтди. С. Аҳмад, Хукм. Тиниқ чеҳрасидан бўса Илтифот ай-лади, қувончдан юрак жўши урди. Ғай-ратий. | Оппоққина нозик юзи қўшида шундай тиниқ кўриндики, гўё у [қиз] нурдан яратилгандай. Ойбек, Қут-луғ қон.

3 кўчма Аниқ, равшан фикр юрита-диган. Ақли тиниқ олим.

4 Хирилламаган, жаранглаб чиқа-диган, жарангдор. Унинг [келинча-нинг] кулиси жонон пиёланинг жа-рангидай тиниқ эди. С. Анорбоев, Оқсой. Адолат дуторини қўлига ол-ди. Бир нафасдан кейин унинг кўн-гироқдек тиниқ овози янгради. С. Зун-нунова, Гулхан.

**ТИНИҚЛАНМОҚ** Тиниқ, тоза бўл-моқ, равшан тортмоқ. Нурсизланган юзига қон югуриб тиниқлашди. А. Қаҳ-дор, Сароб.

**ТИНИҚЛАШМОҚ** 1 Тобора тиниқ, беғубор, тоза, мусадффо бўлмоқ. Кўк тиниқлашди. Шухрат, Шинелли йил-лар. Саиднинг назарида Бекобод ос-монга тиниқлашиши билан бирга кен-гайгандек ҳам бўлди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

2 кўчма Тозароқ бўлмоқ, равшан тортмоқ, яхшиланмоқ. У бир ухлаб турач, сўлгин юзи тиниқлашди.

3 Ёқимли жарангдорлик касб этмоқ, очилмоқ (овоз ҳақида). Бора-бора унинг овози ўткирлаша, тиниқлаша бош-лади.

4 кўчма Ўткирлашмоқ, очилмоқ (ақл, фикр ва ш. к. ҳақида). Сафарлар, уч-рашулар, суҳбатларда фикринг яна тиниқлашади. Зулфия, Чўққилар.

**ТИНИҚЛИК** тиниқ с. белги оти. Сувнинг тиниқлиги. Овознинг тиниқ-лиги. Фикрнинг тиниқлиги. — Анаар «Таштадан ўқши бошлади, зехнининг тиниқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ТИНИҚМОҚ** 1 Тозаланиб тиниқ холга келмоқ, беғубор, мусадффо бўл-моқ. Почамир зғилиб қаради: ариқча-ларнинг биттасида оппоқ сут, битта-сида тиниққан сув, биттасида бол, биттасида шароб оқмоқда эди. Фит-рат, Қиёмат.

2 Дам олиш, ухлаш ва ш. к. натижа-сида ўзига келмоқ, тетиклашмоқ. У

шу кечаси касал кишидай инграй-ин-грай зўрға ухлаган бўлса ҳам, эрталаб тиниқиб турди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Аҳмадзон] яна тинилди. Уша-ўша Латофат. Сира ўзарамбди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди. С. Каро-матов, Ҳижрон. **ТИНИҚИБ УХЛАМОҚ** тў-йиб, мириқиб ухламоқ, яхши ухлаб ўзига келмоқ. Уйқудан қолибсан, ти-ниқиб ухлаб ол, мен тезда қайтиб ке-ламан. М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 кўчма Ўткирлашмоқ, очилмоқ, тиниқлашмоқ (ақл, фикр, зехн ва ш. к. ҳақида). Унинг ақли тиниқга бошлади. Муҳокама ва суҳбатларда фикр ти-ниқади. — У [Қудрат] қамоқда яна ҳам чиниқиб, революция руҳи яна ҳам тиниқиб чиқди. М. Исмоилий, Фар-ғона т. о.

**ТИНИҚТИРМОҚ** тиниқмоқ 2 фл. орт. н. Вақт намоз асрга яқин эди. Тангибойвачча кечага базм ва ичкилик кайфини бутун кун чўзилган уйқу билан тиниқтириб, кўрғон эшигидан бор ташқарисига чиқди. Ойбек, Қут-луғ қон.

**ТИНКА** Куч-қувват, мадор, ма-жол. Иситмалайериб беморнинг тин-каси қолмади. — Кун ботишга яқин иккинчи тўнкани ҳам қулатдим. Жуда тинқадан толган эдим, «кух» деб бориб ўрнимга чўзилдим. Ғ. Ғулом, Шум бола. **ТИНКАСИ ҚУРИДИ** 1) чарчади, холсизлан-ди, мадорни мажолни қолмади. Қампир бояқиш пиёда ўтин орқалаб, даладан келар экан. Тинкаси қуриб, бир зум дам олишга ўтирган экан. Ойбек, Нур қидириб; 2) кўчма ахволи танг бўлди, холдан тойди, Урушдан халқ-нинг тинкаси қуриди. **ТИНКАСИНИ ҚУ-РИТМОҚ** 1) чарчатмоқ, холсизлантирмоқ, мадорини қуришмоқ. Менга яқин йўл ҳам узоқ туюлди. Ўқолнинг балчиғи тинкамни қуришди. А. Убайдуллаев, Қонли издан; 2) кўчма безор қилмоқ, жонча тегмоқ, жонидан тўйдирмоқ. Сена бир иш топиришига ҳам юрагим қолмади; сўрайбериб тинкани қури-тасан. Ойдин, Уялди шекилли ерга қаради; 3) кўчма танг ахволга туши-риб холдан тойдирмоқ. Қишлоқдаги-ларнинг кўпи ҳовли-жойларини таш-лаб, шаҳарга иш қидириб кетишди. Солиқлар тинқаларини қуришган .. эди. Ҳ. Турсунқулов, Хаётим қиссаси. **ТИНКАГА ТЕГМОҚ** айн. тинкасини қуриш-моқ 2. Ҳали-уним кам, деди, ҳали-бу-ним кам, деди. Сигир оламиз, деди, гилла оламиз, деди. Тинкамга тегди. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ТИНКА-МАДОР** айн. тинка. Ка-салнинг тинка-мадори қолмади. Тин-ка-мадорим қуриди.

**ТИНКАСИЗ** кам қўлл. Куч-қувва-тини йўқотган, холдан тойган, мадор-сиз, бемадор. Мана Гулшан уйда тин-касиз (яхшиямки она ўроқда), Чол супада букчаймиш ёлғиз. Ойбек.

**ТИНЛИК** Жимжитлик, сукунат. Кечки тинликда қаердадир «тўқ-тўқ» этган товуш эшитиларди. А. Мух-тор, Чинор. Қушлар дарахтларнинг

қуюқ яшил ичидан жонли найларини тинликка қуярди. Ойбек, Навоий.

**ТИНМАГУР** Сира тинмайдиган, тиним билмайдиган, тинч турмайдиган, тиниб-тинчимас; серҳаракат. Тинмагур аёл. — Тинмагур шаҳримизнинг суб-ҳида шунча овоз. Ғ. Ғулом.

**ТИНМАЙ** рви 1 Тиним билмай, дам олмай, ҳормай-толмай. Тинмай ишламоқ. — Ҳовлида тинмай-қўнмай хизмат килиб юрган паҳмоқ сочли, исқирт килимли ёш-қари хотинлар ҳам анчагина. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тўхтамасдан, тинимсиз. Йиғитлар, гўё қарамзор бошидаги дарахтларда тин-май сайраётган булбулга қуроқ сола-ётгандек, жим қолишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Узлуксиз, сурункасига, бетўх-тов. Икки кун тинмай қор ёғди. Меҳ-наткашларнинг онгини тинмай оши-риб бормоқ.

**ТИНМАЙИН** кт. айн. тинмай. Баҳ-ри шошар босолмай қадам, Улаб бўл-мас унинг севинчи. Типирчилар юрак тинмайин, Сигдиролмай шодликнинг кучин. Ҳ. Олимжон.

**ТИНМАСДАН** айн. тинмай. Бу кеча Шоқосим жуда хурсанд эди. Тинмасдан қизиқ нарсаларни сўзлайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Тинмасдан айланарди ўртада кеса. Олардилар дамба-дам Қосадан бўса. Ғайратий.

**ТИНМАГУР** айн. тинмагур. — Қаёқ-қа яна, тинмагур? — сўради Қомила [Латифжондан] ўзини оналарча ту-тиб. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТИНМОҚ** 1 Ичидаги қум, лойқа ва ш. к. аралашмаларнинг чўкиши на-тижасида тозаланмоқ, тиниқлашмоқ (суюқлик ҳақида). Лойқа сув бир ке-чада зўрға тинди. | Суяқликдан аж-ралиб, остга чўкмоқ (суяқликдаги аралашмалар ҳақида). Кун исиб кетди. Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган лойқалар ерга синиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ишдан, ҳаракатдан тўхтамоқ; бе-кор, тинч турмоқ, тин олмақ, дам олмақ. У кун бўйи тинмади. Эшак мин-ганнинг оёғи тинмас, икки хотинлик-нинг қулоғи тинмас. Мақол. — Уйин-қароқ .. Ит тинса тинади, қуш тинса тинади, бу тинмайди. Ҳ. Назир, Сўн-мас чақмоқлар. **ОҒЗИ** (ёки жағи, чакағи) тинди гапиршдан тўхтади, жим бўлди. [Ерматнинг] қўллари этикни ишқа-ларкан, оғзи тинмади: — Ух, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз қўйни ҳайдам — нуқул азоб. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ҳаракатдан тўхтамоқ, тинчимоқ. Нозик ранг-баранг парвоналар, қапа-лақлар лампа атрофида айланар, гул-дор қанотларини ишишага уриб, типир-чилар, гилмага енгилгина қулаб, тинар эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳожирахон-нинг шу иши баҳона бўлди-ю, ҳамма дўжонларда мокилар тинди. А. Мух-тор, Опа-сингиллар. | Тўхтамоқ, бо-сиймоқ; тинчимоқ. Бўрон тинди. Ша-мол кечгача тинмади. Ёмғир тин-

ди. Сув тинди. Уруш-жанжал тинди. Тўғларнинг овози бирдан тинди. Шовқин-сурон анчагача тинмади. — Кун бўйи давом этган шиддатли жанг кечга бориб тинди. Ойбек, Кутлуг қораймас. Биз эшикдан киришимиз билан гала-говур бир зум тинди-да, яна кулги кўтарилди. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

◆ **Кўзи тинди** 1) боши айланиб, кўзи хиралашди, кўз олди қоронғилашди. Тинкам қуриб, кўзим тиниб зўрга шу ерга етиб йиқилдим, сингелим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 2) кўчма боши айланиб, эсанкираб, гангиб қолди. Қизнинг боши айланиб кўзи тинди. **Кўнгли тинди** хотиржам бўлди; кўнгли тўқ бўлди. Шундай десам, дўстим кўнгли тўлар деб, Нима бўлса, мендан кўнгли тинар деб, Шул сабабдан ёринг кўнглини сўрадим. «Муродхон». **Ўзидан тинмоқ** ўзини-ўзи эплаб, ўз кунини ўзи кўрадиган бўлиб олмоқ, тинчимоқ. Саломат тўғрисида бир нима демайман. Шукр, у ўзидан тиниб кетди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТИНТИМОҚ 1** Титкиламоқ, кавлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб бирор нарса қидирмоқ. Ёшиқдан бошлаб келиноийларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури, буюк Гулнор уйини холи топиб, қалити бурнида унутилган бир қутини очди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Ман этиладиган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун ҳамма ёқни қараб, текшириб чиқмоқ. Бўронбек наганини филофиза солди-да, милиционерни ёнига олиб, Мавлон аканинг уйини .. тинтиб чиқди. Х. Гулом, Машъал.

**ТИНТИШМОҚ** тинтишмоқ *фл. бирг.* н. Гоҳ Эраш, гоҳ Одил ҳалқумигача сувга етиб, қўл сиғадиган ҳар бир тешикни тинтишади. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ТИНТУВ 1** тинтишмоқ *фл. иш оти.* 2 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун тегишли органларнинг вакиллари томонидан ўтказилган ахтарув. [Зокирбой] қишлоқда шубҳали одамлар тобора кўпаяётгани, Равшан ҳали ҳам тинчимаганини айтиб, тинтув ўтказиш учун одам сўради. С. Кароматов, Бир томчи қон. Бозорлар, саройлар, қаландархоналар тинтув қилинди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТИНЧ 1** Ғам-ташвишдан, ҳавф-хатардан холи; беташвиш, осуда, оёйишта. Тинч уйқу. Тинч турмуш. || Тинч дам олмоқ. Тинч ухламоқ. Тинч юриб-сизми? || Шу иш бошлангандан бери тинчлигим йўқ. — Кутбия учун тинч нафас олишга, озод гапиришга фурсат топилди. Айний, Қуллар. Арқон зарби елкам узарди, Бу заҳматлар тинчим бузарди. Ғайратий. У [Хўжабеков] тинчини кўзлади. Аммо қолхога Шербек зоотехник бўлиб келганидан бери тинчи бузулиб безовталиги ошди. С. Анорбоев, Оқсой. Шогирдлар тинч туриб

тингелашар ва шароитга қараб иш туттиш лозимлигини ҳис эттишарди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. [Ҳомид] у ерда ҳам тинч ётмай Утаббой қушбегини порахўрликда айблаб, Мусулмон чўлоққа ариза берган. А. Қодирий, Утган кунлар. **Тинчини олмоқ** хотиржам бўлиб енгил тортмоқ, эркин нафас олмоқ; дам олиб ўзига келмоқ. Ухла, эй кўзим, тинчинг ол етиб, Бироздан кейин қолар тонг отиб. Ғ. Зафарий.

2 Урушдан, уруш ташвишларидан холи, осойишта, урушсиз. Урушдан кейинги тинч давр. | Уруш бўлмаган вақтда, тинчлик даврида ўтадиган, бўладиган. Бир йилдирки, тушиб кетдик Тинч қурилиши йўлига Ғолиб жангчи болғасини Яна олди қўлига. Уйғун. | Уруш-жанжалсиз, ҳамжихатлик, тотувлиқ билан кечадиган; уруш-жанжални билмайдиган. Тинч оила. Қўшининг тинч сен тинч. Мақол. || Бу тўққиз йилнинг икки-уч йилигина тинч ўтди. Кейинги йилларда Нисо буёғини қизлари туфайли неча мартаба қўйди-чиқди бўлиб олди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

3 Кишининг оромини бузаядиган; жимжит, сокин, шовқин-сурон, ҳаракат, қатнов ва ш. к.дан холи. Атроф тинч. Утқинчилар оз. Анҳор ёқасида, толлар орасида иккита оқ эчки ўтлаб юради. Ойбек, Кутлуг қон. Ажойиб кеча бўлтими? Тинч, ойдин, шабада! П. Турсун, Уқитувчи. Ҳасанали секингина дарича остига ўтиб хужра ичига қулоқ солди. Хужра ичи тинч эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Кишини унчалик уринтирмайдиган, жонини койитмайдиган, безовта қилмайдиган. Сидиқжон унга тинчроқ жой топиш баҳонасида қайрилиб қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Кишидан унчалик масуулият талаб қилмайдиган, беғалва, беташвиш. Тинч иш. | Кишига озор бермайдиган, безор. Тинч бола.

5 Бир жойда қимирламай, жилмай турадиган, ҳаракатсиз ёки ҳаракатни унчалик сезилмайдиган. Тинч сув. || Тинч ётган тош. **Тинч қўймоқ** 1) қимирлатмай, ўрнидан кўзғатмай қўймоқ. Сут бир кеча тинч қўйилса, қаймоқ олади; 2) тинчлик бермоқ, ўз холига ёки ўз ихтиёрига қўймоқ, безовта қилмаслик. Шу камбағал қариндошини портқиламасдан тинч қўйинлар. Ойбек, Кутлуг қон.

◆ **Суяги тинч** рўзгор, тирикчилик ташвишидан холи, ўзига тўқ. **Ўзига тинч** ўзидан тинган, ўзини ва ойласини таъминлайдиган, ҳеч кимга муҳтожлиги йўқ. Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовлилари меҳмон қунарлик бир ҳолга келтирилган .. катта тандирлар қурилган эди. Айний, Қуллар.

**ТИНЧИМОҚ 1** Оғриқ, ғам-ташвиш, дард-алам ва ш. к.дан қутулиб, енгил тортиб ором олмоқ. Тишимни одириб тинчидим. — Отабек унинг [Кумуш-

нинг] манглайини қўли билан босиб ушлаган эди, бир оз тинчигандек бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Гулнор] гоҳ тинчиб, гоҳ қийналиб ётди. Аммо, бир зум бўйсин, кўзларини йўлчидан узмади. Ойбек, Кутлуг қон. | Тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ. Хат келганда тинчир жон. Хат жуда азиз меҳмон. Х. Олимжон. — Мактабдан тинчиб олдингиз, — деди Мели полвон қулиб. — Энди ўзингизни ҳам бир тинчитиб қўйсак бўлар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Турғунжон аканг сенинг кўнглингиздагини топмасдан кўнглиларини тинчирмиди, болам. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | Уруш-жанжалдан, ғалва ва ш. к.дан қутулиб тинч, осойишта ҳаётга ўтмоқ. Шаҳар сал тинчигандан кейин большевик командири мени уйига олиб кетди. Х. Гулом, Машъал. Қолхоз тинчигиша тинчиди-ю, лекин кўклам иши низооятда судралди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Болам, энди юрт тинчиб қолди. Элу халқ ҳам эркин тин олди. Х. Олимжон.

2 Ишдан, ҳаракатдан тўхтатмоқ; ишни, ҳаракатни тўхтатиб тин олмоқ, тинмоқ; тинч, бекор турмоқ. Қизимни тилга олдинг, раис, тўғри, ўзи ҳам тинчмайди, дангасаларга ҳам тинчлик бермайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қачонгача овозимни бўғадилар, тирикман, тинчмайман. Қўрсатаман уларга! Ойбек, Кутлуг қон. | Ортиқча ҳаракат, шовқин-сурон ёки тўполонни тўхтатиб жим бўлмоқ. — Тўхфа, Қумри! — деб ҳайқирди Нозик. — Тинчмасанлар бўғаман, майлими? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Давом этишдан тўхтатмоқ, босилмоқ, тинмоқ. Шамол тинчиди. Ёмғир тинчиди. — Аъёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, гала-говур тинчигандан кейин ҳоким одатдагича тилмоқ орқали халқни оёқлаштиради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Шовқин-сурон, говур-гувур ва ш. к. босилиб жимжит бўлмоқ. Зал тинчиди. Оркестр давом этди. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Бўзхона тинчиган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Қулоғи тинчиди** 1) шовқин-сурондан қутулди ёки йироқлашди. Онахон растабдан қайрилиб темирчилик маҳалласидан ўтгандан кейингина қулоғи бироз тинчиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) кўчма гап-сўз, таъна-тазарру, ғалва ва ш. к.дан қутулди. Рўзгорини бўлаклаб қулоғи тинчиди.

◆ **Ўзидан тинчиди** айн. ўзидан тинди қ. тинмоқ. Қўшинилар, шу Ваҳобжон уйлана қолсайди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

**ТИНЧИТИЛМОҚ** тинчитмоқ *фл. мажҳ.* н. Тўполон тинчитилди. **ТИНЧИТИШМОҚ** тинчитмоқ *фл. бирг. н.*

**ТИНЧИТМОҚ 1** тинчимоқ *фл. орт. н.* Жанжални тинчитмоқ. Шовқин-суронни тинчитмоқ. Уришни тинчитмоқ. — [Кампир] шеригим кеча

хат лоиб келиб берганини айтиб уни тинчитди. С. Ахмад, Оқ сут ва оппоқ нур. Шу кичкинагина кулмсираш Ўзбек ойимни анча тинчитди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Жўраҳон қўл кўтариб халойиқни тинчитди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Балки директор қизишиб кетганини кўриб, тинчитиш учун қуруқ вағда қилган бўлса-я. К. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит. Отинойи уни [Холмуродни] тунда ҳам алламаҳалгача тинчитмади. Унга пахта чувишти. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Саранжом-саришга қилмоқ, битирмоқ. Хотиржам бўлинг, ҳамма ишни ўзимиз тинчитамиз.

3 с. т. Йўқ қилмоқ, бартараф қилмоқ; ўлдирмоқ.

**ТИНЧИШМОҚ** тинчимок 1, 2 фл. бирг. н. Яхшиси шулки, бу бош оғриқларни бирваракай орадан кўтариб тинчишайлик. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Пошишойимга кинна солаётган Раҳима холанинг овозидан сўнг залдагилар тамоман тинчишти. Энди ҳамманинг эътибори саҳнадаги воқеага қаратилган эди. С. Қароматов, Ҳижрон.

**ТИНЧЛАНМОҚ** 1 Ҳаяжонини, аччиғини босиб ёки таптидан, ҳовридан ўзини тутиб олмоқ, ўзини босмоқ.— Тинчланингиз, Отабек! — деди қушбеи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ойимхон ювощ товуш билан уни тинчланишга чақирди. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. | Ғам-ташвиш, хавотирлик ва ш. к.дан хотиржам бўлмоқ, тинчимоқ. [Ҳасанали] Отабекнинг тишиллаб ухлаган товушини эшитиб, бир даража тинчланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кампирнинг уйқуда эканига ишонгач, юрага бирдан тинчланди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Оғриқ, дард-алам ва ш. к.дан қутулиб енгил тортмоқ, ором олмоқ. Қасал бир қимирлаб кўзини очди ва бош кўтариб, тиланчи хотинга қарагандан кейин, яна бошини ёстиққа қўйиб тинчланди. Айний, Қуллар.

2 Шовқин-сурон, жанжал, ҳаракат ва ш. к.ларни тўхтатиб жим бўлмоқ. У, трибуна олдиға келган бўлса ҳам беш минутча сўзлаёлмай, халқнинг тинчланишини кутиб турди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ТИНЧЛАНТИРМОҚ** тинчланмоқ фл. орт. н. Муҳаммадражабининг ростдан ҳам Ўзандта эканини айтиб, Аббосхон Саидийни тинчлантирди. А. Қаҳҳор, Сароб. [Курсдоши] яхши гап билан кампирни тинчлантирди. С. Аҳмад, Раҳмат, азизларим.

**ТИНЧЛАТМОҚ** айн. тинчлантирмоқ. Ишитни ҳовлида қолдириб, хотинига айвонда ўтиришга буюрди, болаларини тинчлатиб, кейин йўлчини чақирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИНЧЛИК** 1 тинч с. белги оти. Жойнинг тинчилиши. Водий сувларининг тинчилиги. | Тинчлик ҳолатдаги жисм (физ.).

2 Куролли тўқнашувлардан, урушдан холи, тинч ҳолат. Тинчлик даври.

Тинчлик тарафдорлари. Тинчликни ҳимоя қилмоқ. Халқаро масалаларни тинчлик (йўли) билан ҳал қилмоқ. — Агар шу жониворлар мендан сармуншиликни тинчлик билан олсалар, ўзимни жуда ҳам бахтли санар эдим. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **ТИНЧЛИК** сиёсати урушнинг олдини олишга, барқарор тинчлик ўрнатишга қаратилган сиёсат. | Ўзаро низо-жанжаллардан холи, тинч ҳолат, осойишталик. Мамлакатнинг тинчлиги қипчоқларни кесиб билан ҳосил бўлса — майли, кесинлар! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қишининг оромини бузмайдиган, безовта қилмайдиган, шовқин, ҳаракат ва ш. к.дан холи тинч ҳолат; ором. Беморга тинчлик керак. | Ғам-ташвишдан холи, тинч ҳаёт, халоват. Тинчликни кўзламоқ. Бировнинг тинчлигини бузмоқ. — Душманга бир дақиқа ҳам тинчлик бермаслигимиз лозим! И. Раҳим, Чин муҳаббат. Чиндан битди буларнинг Тинчлиги ҳам севинчи. Қип-қизил қонга тўлиб ўтди оқшом ва кечи. Ғайратий. — Қўй-чи бу гапларни, ўзинг тинчмисан? — Тинчлигим курсин. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Чурқ этган товуш эшитилмайдиган тинч ҳолат, жимлик, жимжитлик, сукунат. Тинчлик сақлансин. — Тун тинчлигини бузиб, қандайдир катта қуш учиб ўтди. С. Анорбоев, Оқсой. Паст-паст уйлар, деворлар, Оқ кўйлак кийган. — «Муз тоғи» дек у томлар Тинчликка чўмган. Ҳ. Олимжон.

◆ (Ўзи) тинчликми? «нима ходиса юз берди?», «нима гап?» каби маъноларда бериладиган сўроқ. Нега мунча ҳовлиқмасанг, тинчликми ўзи? — Тинчликми хола? — деди Тўтиқиз, Ҳамидaxonнинг алақандайлигини сезиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТИНЧЛИКСЕВАР** Уруш бўлмастлигини, тинчликни, мамлакатлар, халқларнинг тинч-тотув яшашини истайдиган ва шунга интиладиган. Тинчликсевар халқлар.

**ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК** тинчликсевар с. белги оти.

**ТИНЧЛИҚЧА** рви Уруш-жанжал ёки тўполон қилмасдан; бирор ғалва чиқармасдан; тинч йўл билан. Мусулмонқулга тарафдорларинииз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИНЧСИЗ** Тинчи йўқ, бетинч. Тинчсиз тун. — Бу жумла келасидаги англашилб битмасан, лекин бўлиши аниққа ўхшаган ярамас ва тинчсиз бир ҳаётнинг гўё муқаддимаси эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИНЧСИЗЛАМОҚ** кам қўл. Тинчлигини бузмоқ, бетинч, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ; тинчсизлантирмоқ. — Бизни кеҳирасиз, бек ака! — деб Раҳмат узр айтди. — Вақтсиз келиб сизни тинчсизладик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИНЧСИЗЛАНМОҚ** Тинчлигини йўқотмоқ, бетинч, безовта бўлмоқ; ташвишга тушмоқ. Унсин совуқдан тинч-

сизлана бошлади. Оёқларини ерга уриб қўлларини пуфлайди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Отабек қутидорга:] Фақат сизнинг тинчсизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб йўлай олмайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТИНЧСИЗЛАНТИРМОҚ** тинчсизланмоқ фл. орт. н. Йўлчини бир нафас тинчсизлантирган ҳалиги ҳаёллардан энди из ҳам йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИНЧСИЗЛИК** Тинчлик йўқотилган ҳолат, бетинчлик, безовталиқ; ташвишланиш. Кунлар ўтган сари тинчсизлигим оша борди. М. Зайниддинова, Қим эди у, демасангиз айтаман. У [Ҳакимбойвачча] юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИНЧ-ТОТУВ** Урушсиз, жанжалсиз, тотув. Тинч-тотув ҳаёт. Тинч-тотув яшаш сиёсати. — Ҳатто таниш-билишларнинг кўпчилиги тинч-тотув турмушимизни орзу қила бошладилар. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

**ТИНГ** I айн. тинг. Тинг ер.

**ТИНГ** II тақл. с. Торли музыка асбоблари торини чертганда чиқадиغان товуш ҳақида.

**ТИНГИЛЛАТМОҚ** Торли музыка асбоби торини чертмоқ. Мухторхон тоқчадаги дуторни олиб тингиллатди. Ҳ. Фулом, Машъал. Алёша гитарасини олиб тингиллатиши билан дарров унинг атрофига йиғилдилар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТИНГИР-ТИНГИР** айн. тинг-тинг. Бахмал тингир-тингир чертиб, уйдан дутор кўтариб чиқди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТИНГ-ТИНГ** тинг I с. тақр. Энди магнитофон вағилламасди, ўрнига торй созланмаган рубобнинг тинг-тинги билан қасқони тоб ташлаган чирмандининг данг-данги эшитиларди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**ТИНГШАМОҚ** диал. Тингламоқ, эшитмоқ. Қуёвнинг аҳволини билгиси келди, «ғузарга чиқай, одамлардан тинг-шаб биланман», — деди-да, кўча томон юрди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**ТИП** [р<грек] I Бир турдаги нарса, воқеа, ходиса ва ш. к. учун умумий бўлган модель, нусха, намуна; тур. Самолётларнинг типлари. Ҳўжалик типлари. Циклон типлари. Янги типдаги автомобиль. — Бу қўра янги типда қурилгани учун, сунғий қочирши пункти яна ерда очилган.. С. Анорбоев, Оқсой. | Турли этник гуруҳларга мансуб кишилар учун хос юз тузилиши, бичими. Мўғуллар типини.

2 биол. Ҳайвон ва ўсимликлар систематикасидаги ўзаро ўхшаш синфларни бирлаштирадиган олий бўлинма. Бўғиноққиллар типини. Гулли ўсимликлар типини.

3 Социал, профессионал, ахлоқий ва бошқа белгиларига кўра бирлашади-

ган кишилар группасининг вакили. *Колхозчилар — деҳқонларнинг янги ти-пи.*

4 Адабиётда бир турдаги кишиларнинг характерли хусусиятларини акс эттирадиган, мужассамлаштирадиган умумлаштирувчи образ. *Саҳна асариде деҳқон ти-пи. Коммунистлар ти-пи.*

5 с. т. Унга хос, кўпинча салбий хусусиятга эга бўлган одам. *Ёқимсиз ти-пи.*

**ТИПИК** [р типичный] 1 Маълум бир типга хос бўлган; маълум типдаги нарса ва ҳодисаларнинг характерли хусусиятларини ўзида акс эттирадиган, мужассамлантирадиган. *Типик шарқ шаҳри. Деҳқонларнинг типик вакили.*

■ [*«Халима» пьесасида*] Ўзбекистондаги революцияга қадар типик ҳаёт акс эттирилганди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Биз картинамининг асосий масаласи қилиб механизация масаласини олмақчимиз. «Пахтакор» [колхоз] механизация жиҳатидан ҳам типик, шундоқ эмасми?* А. Қаҳҳор, Картина.

2 Унга хос, характерли; кўп учрайдиган. *Типик хато.*

**ТИПИКЛАШМОҚ** 1 Бир типга келмоқ, типни жиҳатидан бир хил бўлмоқ. *Типиклашган бинолар.*

2 ад. Умумлаштирган, мужассамлаштирган ҳолда гавдалантирилмоқ. *Типиклашган образ.*

**ТИПИКЛАШТИРИЛМОҚ** типиклаштирмоқ фл. мажж. н.

**ТИПИКЛАШТИРМОҚ** типиклашмоқ фл. орт. н. *Темир-бетон буюмлар ва конструкцияларни унификациялаш ва типиклаштириши.* ■ [*Езувчи*] умумий ва муҳим сифатларни жамлайди, типиклаштиради. «Адабиёт назарияси».

**ТИПИКЛИК** 1 типик с. белги оти. *Ижобий образларнинг типиклиги.*

2 Санъат ва адабиётда: хусусий ва умумий ҳодиса, воқеаларнинг бадиий образлардаги бирлиги, умумлашмаси.

**ТИПИЛЛАМОҚ** айн. типирламоқ. *Орадан кўп ўтмай [имтиҳондан] «ўтолари миканман, билмайдиган қийин савол тушиб қолса нима қиламан» деб, типиллаб турган Раъно ҳам кириб «тўрт» олиб чиқди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ТИПИРЛАМОҚ** 1 Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмоқ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ, питирламоқ, типирчиламоқ, типилламоқ.

2 кўча Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб питирлаб қолмоқ. *Нурхон типирлаб қолган Рашиан полвонга тикилди.* О. Ёқубов, Ларза.

**ТИПИРЛАТМОҚ** 1 типирламоқ фл. орт. н.

2 Тез-тез ҳаракат қилдирмоқ, кимирлатмоқ. *Кизча бирдан қичқириб йўғлаб юборди-да, оёқларини типирлатиб ерга тушишга интилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТИПИРЛАШМОҚ** типирламоқ фл. бирг. н.

**ТИПИР-ТИПИР** айн. питир-питир.

**ТИПИРЧИЛАМОҚ** 1 айн. типирламоқ. *Нозик ранг-баранг нарвонлар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини шишага уриб, типирчилар, гилмага енгилгина қулаб, тинар эдилар. Ойбек, Қуллур қон.* *Адолат типирчилаб унинг [Усмонжоннинг] қўлидан чиқди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб, гангиб қолмоқ. *Моҳидил унинг [Латифжоннинг] келишини кутмаган бўлса кераки, жуда типирчилаб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 Сабрсизлик билан кутмоқ, кутиб бегоҳат бўлмоқ. *Марайим Башорат келганда унинг бу ердаги ишларига ёрдам бериш учун ҳозиржавоблик билан типирчилаб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Юраги (ёки қалби) типирчилади** юраги безовта ура бошлади, юраги гул-гул урди. *Қандайдир шартга кучгандек, юрак ўқтин-ўқтин типирчилаб кўярди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТИПИРЧИЛАНМОҚ** типирчиламоқ фл. ўзл. н. айн. типирчиламоқ. *Нодир буреут чангалга тушган қўйдаи типирчиланарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТИПИРЧИЛАТМОҚ** типирчиламоқ 1, 2 фл. орт. н. У [гадой] ҳамон остонадан жилмай турар, кўз қараш билан чойфурушни типирчилатар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мингбоши ҳам ҳозир шундай бесаранжом эди, лекин уни қорни очлиги эмас, яқинлашиб келётган қасос ўти типирчилатиб кўйган эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ТИПИРЧИЛАШМОҚ** типирчиламоқ фл. бирг. н.— *Халқимиз ҳалол ишляпти,— деб секин сўз бошлади Отабек,— кексаларимизни айтинг, қайси қунди қорни кўриб, оёғи кўйган товқудай типирчилашиб қолишиди.* Н. Сафаров, Қатта қарвон йўлда.

**ТИПОВЎЙ** [р] Типик модель, намуна бўладиган. *Типовой лойиҳа. Типовой меҳнат шартномаси.* | Бирор тип, модель ёки намунага асосланган, мос келадиган, типик, стандарт. *Типовой мактаб биноси. Типовой уйлар.*

**ТИПОГРАФИЯ** [р<грек] Қитоб, газета ва бошқа нашрларни босиб чиқарадиган корхона; босмахона, матбаа.

**ТИППА-ТИК** 1 Адил, тик, тикка. *Типпа-тик нарвон.* | *Типпа-тик ўсган дарахт.* ■ *Жўрнинг типпа-тик туриши Носирнинг гагини келтирди.* Н. Назаров, Замон.

2 рвш. кўча *Ҳеч тап тортмасдан, дангал.* У [Раҳимов].. маъмурий ходимлар билан типпа-тик олишар, тортишар эмиш. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТИПРАТИКАН** Усти ва ёнлари нг-насимон тиканлар билан қопланган сутэмизувчи кичкина хайвон; кирпи.

**ТИР** 1 [ф-т] (и — чўзиқ) эск. кт. ўқ, камон ўқи. *Тир отмоқ.* ■ *Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим, қиммат*

*яроғ — Тир ваҳшат, ҳанжари зиллатга қалқондир китоб.* Ҳамза. **Тир мижгон** поэт. ўқдек ўткир, шўх қараш ҳақида.

**ТИР II** [р<фр] [и — чўзиқ] Камон, тўппоча, милтқ каби отиш қуролларидан машқ ўтказиладиган махсус жихозланган жой.

**ТИР III** айн. тирр.

**ТИРАГИЧ** айн. тирак. *Бу гал ҳам ўзи олдин ўтди. Унга ягона тирагич бел бўлди.* Ойдин, Гулсанам.

**ТИРАЖ** [р<фр] 1 Заём ёки лотереянинг ютуқ ўйини. *Уч процентли Давлат ички ютуқ заёмининг тиражи.*

2 Қитоб, журнал, газета ва ш. к.нинг босилиб чиққан нусхалари сон. *Газетанинг тиражи. Китобнинг тиражи.*

**ТИРАЖЛИ** Муайян тиражга эга бўлган; муайян миқдорда босиладиган. *Кўп тиражли китоб.*

**ТИРАК** 1 Нарсани бирор ҳолатда суяб, кўтариб, тутиб туриш учун қўйналдиган таянчиқ; тиргак, тирговуч, тирагич. *Деворга тирак қўймоқ.*

2 кўча *Қўллаб-қувватлайдиган, ёрдам берадиган куч; вишончли, ҳимоячи, таянчиқ.* У — *оиламизнинг тираги.* ■ *Қанчалик қийин бўлмасин, Низомжон қишлоқда қолишга, кексайиб қолган дадисига тирак бўлишига аҳд қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тираги эди.* А. Қодирй, Ўтган кунлар.

**ТИРАЛМОҚ** 1 тирамоқ фл. мажж. н. *Деворга тиралган нарвон. Эшикка тиралган тамба.*

2 Суянмоқ, таянмоқ. *Икромжон айвонга келиб бир қўлига тиралиб ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йигит хатдан бошини кўтармади, столга тиралганича, жуда маънос бўлиб қолди.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

3 Бирор нарсага ёки бир-бирига бориб етмоқ, тегмоқ, тақалмоқ. *Сафлар Революция скверига келиб тиралди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хунхор шоҳ ҳузурига қараб Гўрўғли пиеда, улуглар ҳам тиралиб бораверди.* «Бўтақўз».

◆ **Тиралиб ётибди** (ёки кетибди) с. т. жуда кўп, тикилиб ётибди; тирбанд. *Базада тахта тиралиб ётибди. Залда одам тиралиб кетибди.*

**ТИРАМОҚ** 1 Нарсани бирор ҳолатда мустақкам суяб, кўтариб, тутиб туриш учун унга бошқа нарса таямоқ. *Эски деворга хода тирамоқ.* *Эшикка тамба тирамоқ.* | Бирор нарсани бошқа нарсага тиралган ҳолда тутмоқ, таянмоқ, қадамоқ. *Қўлларини белига тирамоқ.* ■ [*Фулумжон*] *узангиларга оёқларини тираб, қаддини бир оз кўтарди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. У [*Ойимбиби*] *юзини четга буриб бошини эди, чап қўлини ерга тираб олиб жажжи ўроқчаси билан ер чица бошлади.* Н. Сафаров, Дон.— *Ҳим-м, тинчлик денг,— Хўжабеков стол устига тирасқларини тираб, олдинда сал энгашиди.* С. Анорбоев, Оқсой.



2 Бирор нарсага тегизиб, таяб, суяб қўймоқ. *Куракни деворга тирамоқ. Нарвонни томага тирамоқ.* ■ Шоир енгил бир сўлиш олиб, танбурни тоқчага тираб қўйди. Ойбек, Навоий. | Бир-бирига қадалган ҳолатда бўлмоқ; ёнма-ён қўймоқ. *Қўшининг уйига-тираб солинган бино.* ■ Улар [Низомжон билан Дилдор].. бошларини бошларига тираб сурат олдириб ҳам келишди. С. Ахмад, Уфқ. Бир вақт қарасам, қўли орқасига боғланган бир одамнинг бўғзига жаллод пичоғини тираб турибди. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ТИРАНДОЗ** [ф.-т] Камондан ўқ отувчи; камонкаш. *Отряд тирандозлар ҳимоя қилиб турган тўсиқларни ёриб ўтиб, катта бозорга яқинлашди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан.

**ТИРАНДОЗЛИК** 1 тирандоз с. касб оти.

2 Камондан ўқ отиш машқи ёки санъати. *Алишер.. тарих, фалсафа мантқиқдан бошлаб тирандозликка қадар ҳеч бир соҳани қолдирмаган эмиш.* Ойбек, Навоий.

**ТИРАНМОҚ** тирамоқ фл. ўзл. н. Чол ҳассасига тираниб ўрнидан турди. ■ Бўронбек меҳмонхонага кириб, ўтирганларга салом берди. Тоқчага тираниб, кўрпачага ёнбошлади. Х. Ғуллом, Машғал.

**ТИРАШМОҚ** тирамоқ фл. бирг. н. **ТИРАҚАЙЛАМОҚ** Тура қочмоқ, қочиб қолмоқ, ҳеч нарсага қарамай чопиб қолмоқ. *Тирақайлаб қочмоқ.* ■ *Хотин, чўрининг гувоҳлиги бузоқнинг тирақайлашувиди гап.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мушт еган Шолғом маҳсум инвалиднинг қўлидан омон қутулганига шукр қилиб, тирақайлаганича жўнаб қолибди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ТИРАҚАЙЛАТМОҚ** тирақайламоқ фл. орт. н. *Тирақайлатиб қувмоқ* олдига солиб зирқиратиб қувмоқ, тум-тарақай қилиб юбормоқ.

**ТИРБАНД** [ф.-т] Қиши ёки нарсалар билан лиқ тўлган, бутунлай банд, бўш жой йўқ. *Кўчалар тирбанд. Театр биноси олдига одамлар тирбанд.* ■ *Йўлкалар, трамвай, троллейбуслар.. унда тирбанд эмас, аммо катта кўчаларда ҳали машиналар оқими авжда.* Мирмуҳсин, Умид. *Пайшанба ва жума кунлари дўкдорларнинг яна бозори қизир, самовархона ва ошхоналар одамига тирбанд бўлиб, юриш қийин бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришлари.

**ТИРГАК** айн. тирак. *Ёғоч тиргак. Темир-бетон тиргак.* ■ *Йиқилиб кетмасин деб тиргак қўйилган бу ҳовлидаги ягона хонанинг орқасига бориб наст товуш билан: Қулмурод! У Қулмурод! — деб чақирди.* Айний, Қуллар. *Шу оғир кунларда бир-биримизга тиргак бўлмасак, қачон бўламыз!?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ТИРГИЗМОҚ** кам қўлл. айн. тирилтирмоқ. *Ғамли кетган Муқимийни*

*тиргиздинг, Озод халқнинг қаторига киргиздинг.* Ҳабибий.

**ТИРГОВ** айн. тирак. *Тирговчи чириб, девор қулаб тушди.* ■ [Тракторчи:] *Шундай пайтда бир-биримизга тиргов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади.* С. Маҳкамов, Катта рудда.

**ТИРГОВУЧ** айн. тирак. *Ёғоч тирговучи.* *Олмаларга тирговучи қўймоқ. Ота-онага тирговучи бўлмоқ.* ■ *Ер қатлами силжиб иштирлайди, йўғон тирговучлар қисирлаб синади.* С. Ахмад, Мўтти. *Бир кун пушаймон бўлмагин, дейман. Тилмочнинг қози-калондай тирговучи бор, билиб қўй!* Ойбек, Улуғ йўл.

**ТИРГОВУЧЛАМОҚ** Тирговучи қўймоқ, тирговучи билан тираб, кўтариб қўймоқ. *Шафтоли шохларини тирговучламоқ.*

**ТИРГОВУЧЛАНМОҚ** тирговучламоқ фл. мажх. н.

**ТИРЭ** [р<фр] грам. Горизонтал чизиқ (—) шаклидаги тиниш белгиси.

**ТИРЖАЙИШМОҚ** тиржаймоқ фл. бирг. н. *Бир-бирига қараб тиржайишмоқ.*

**ТИРЖАЙМОҚ** 1 Тишининг оқини кўрсатиб, лаб-лунжини тириштириб қулмоқ, илжаймоқ. *Фазлиддин тиржайиб, эгри-буғри тишларининг оқини кўрсатди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Тиржайиб туриб, жонини олди, йўқ, чаёнга айланиб, кўксига захарли найзасини санчди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Қулгидан, илжайишдан ёки бешқа бирор ҳис-туйғудан ёхуд ташқи таъсир натижасида тиришмоқ. *Совуқдан тиржаймоқ.* ■ *У одамларга нича қараб турди, кейин елпшитовоқдай кенг, солқи юзи бирдан тиржайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Оғзиндан ўрзулай, ростми? — Жондорнинг лаб-лунжи кулегидан тиржайди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТИРЖАЙТИРМОҚ** тиржаймоқ фл. орт. н. *Салимбойвачча лабини тиржайитириб захарханда қилди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТИРЖИҚ** 1 Доим тиржайиб турадиган; тиришиқ, буришиқ.

2 Жуда ориқ, қотма.

**ТИРИК** 1 Ўлмаган, ҳали яшаб турган; ҳаёт, барҳаёт. *Тирик балиқ.* || *Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги.* Мақол. *Балиқ сув билан тирик.* Мақол.

■ *Э, онажонгинам, қани энди, сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлининг қандай одам бўлганини кўрсанг.. деб ҳаёл қилди [Элмурод].* П. Турсун, Ҳўнгувчи. *Улиқми-тирикми билармиз. Мен ҳам қараб турмайман, Аммо, сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Усимлик ёки хайвонот дунёсига онд; жонли. *Тирик табиат.* *Тирик организм.*

3 Ҳзининг янги вақтдаги кўринишини, тароватини йўқотмаган, сўлмаган (ўсимлик, унинг гули, меваси ва ш. к. ҳақида). *Сабзининг тирик-тиригини*

*тириб олмоқ.* || *Бодринг сувада тирик туради.*

4 Куч-қувватини йўқотмаган; бардам, тетик. [Бувим] *тириккина кампир, ҳасса тутмайди.* Ойбек, Болалик. | *Тийрак; сергайрат, ҳаракатчан.* Ҳамида *ўн олти ёшлардаги тирик, қувноқ қиз.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

5 Кўйма Яхши пишиб етилмаган (асосан овқатга солинган дон ҳақида). *Маставанинг гуручи тирик, бироз қайнасин.* *Мош ҳали тирик.*

◆ **Тирик вазн** ҳайвоннинг тириклайин тортилгандаги оғирлиги. **Тирик етим** ота-онаси ўлмаган, аммо улардан бирор сабаб билан жудо бўлган бола ҳақида. [Шарофат:] *Боламини тирик етим бўлмасин деб келдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Тирик товон қ. товон II.** **Кўз тиригида** ҳаёт вақтида, ҳаётлигида, ўлмасдан. [Она:] *Кўзимнинг тириклигида орзу-ҳавасини кўрсам дейман, болагинамнинг.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТИРИКЛАЙ(ИН)** рвш Тирик ҳолида, тириклигида; ўлмасдан ёки ўлдирилмадан. *Кўёни тириклай(ин) тутмоқ.* ■ *Кутулмадим қайғу, қулфат, алаждан, Тириклайин айрилдим икки боладан.* «Ширин билан Шакар». *Уни тириклай қўлга тушириб нима қилмоқчисан?* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ТИРИКЛИГИЧА** айн. тириклай(ин). **ТИРИКЛИК** 1 тирик 1, 3—5 с. белги оти. [Гулнор:] *У тириклигимни, сиз билан бир ёққа қочганлигимни секингина олимга сўзласин.* Ойбек, Қутлуг қон. *Уни [Ҳаётхонни] тарк этган тириклик нишонлари қайтди, оғзидан чиққан биринчи сўз: «Вой ўлай!» нидоси бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кун кечириб, яшаш, тирикчилик; ҳаёт. *Чўнтақларида ҳемири қолмаган ака-ука тириклик тўғрисида ўйлай бошладилар.* М. Оснм, Тилсиз гувоҳ. *Урнимдан туриб, отам экиб кетган ярим танобча ердаги жўхорини қайриб олишга ва буни пишириб тириклик ўтказишга эринар эдим.* Ф. Ғуллом, Тирилган мурда. **Кўз тириклигида** айн. **кўз тиригида қ. тирик.** *Қиши ўзининг тириклигида минглаб, миллионлаб воқеани бошидан кечиради.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ТИРИКТОВОН** (тўғриси тирик товон) қ. товон II.

**ТИРИКЧИЛИК** Ҳаёт кечириб, кун кўриш, яшаш, тириклик, ҳаёт. *Фаровон тирикчилик.* *Тирикчилик ташвишлари.* *Ўз меҳнати билан тирикчилик қилмоқ.* ■ *Тирикчилик янада қийинлашди.* *Бойлар ҳам қарз бермай қўйди.* П. Турсун, Ҳўнгувчи. *Энди уй-уйингизга тарқалингиз, тирикчиликдан қолмангиз, ўртоқлар.* Х. Ғуллом, Машғал. *Тирикчилик ўтказиш учун Юсуфжон қизик Туркистонни, Қозоғистонни айланиб чиқади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. [Йўлчи:] *Биродарлар, ўйлаб*



қаранглар, шу ҳам тирикчиликми? Ахир, бу бир зиндон эмасми? Ойбек, Қутлуғ қон. **Тирикчилик тебратмоқ** айн. рўзгор тебратмоқ қ. рўзгор. Зокирининг.. ойиси рўзгорларидаги буюмлардан сотиб тирикчилик тебраттар эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ТИРИЛЛАМОҚ** Давомли ёки қисқа-қисқа, узук-узук «тир» этган овоз чиқармоқ; «тир-тир» этмоқ. *Шим тириллаб йиртилди.* — Доира бир зумга жим бўлади, кейин оҳиста-оҳиста тириллай бошлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Жимликни темир йўл ёқалаб ўрмалаётган тракторнинг тириллаши бузади.* А. Тўхтаўжаев, Беғам тракторчи.

**ТИРИЛЛАТМОҚ** тирилламоқ фл. орт. н. Тартаракни тириллатмоқ. Автоматни тириллатиб ўқ узмоқ. — Тинчгина юрганимиз, шу оқолдан кўра дала шийпониди ағнаб ётганимиз, пулемётни тириллатгандан пахтазорда трактор ҳайдаганимиз минг марта яхши эди-ку. А. Мухиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ТИРИЛМОҚ** 1 Диний-мистик тасаввурларга кўра жонни кириб қайтадан яшай бошламоқ. Мана шу саллавлардан бири бориб, бир марта «суф» деса, унинг онаси тирилиб кетади. П. Турсун, Уқитувчи. | *кўчма* Ўлим ёқасидан қайтмоқ, ўлимдан қолмоқ, тирик қолмоқ. *Ҳа, мен уч марта ўлиб, уч марта тирилдим.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. | *Ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ; ҳаракат қила бошламоқ (ўлди деб фараз қилинган ёки қаттиқ ҳушсиз бўлган киши ёки ҳайвон ҳақида).*

2 Қайтадан кўкариб ўса бошламоқ, жонланмоқ (сўлиган ўсимлик ҳақида). *Кун иссиғида шалпайган кўчатлар кечга бориб тирилла бошлайди.* — Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп гўза тирилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Қайтадан ишга тушмоқ; юришиб кетмоқ, жонланмоқ. *Савдо иши анча тирилиб қолди.*

◆ **Ўл десаңг — ўлади, тирил десаңг — тирилади** гапга қирадиган, итоаткор киши ёки ҳайвон ҳақида. [Фазлиддин:] *Хизматкор, малай қандай бўлса? У танини, жонини хўжайинлардан аямаса, нинадай нарсага хиёнат қилмаса, ўл деса — ўлса, тирил деса тирилла!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИРИЛТИРМОҚ** тирилмоқ фл. орт. н. Улаганларни тирилтириб бўлмайдди. Чўкканларни тирилтириш учун сунъий нафас олдириши керак. — *Чанқоқ гўзаларни сувга қондириб олгач, Адолат шона ташлаб, гул тўкиб юборган гўзаларни тирилтириш пайига тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қомил аканинг усулини ўзлаштирмай йлдириб қўйишди. Уни тирилтириши керак.* И. Раҳим, Ихлос. *Сув чўлини тирилтирди. Чўл кўксиди гул унди.* А. Эшонов. *Бу ерларни [чўлларни]*

инсон ва инсоннинг ўзи яратган машина тирилтирди. Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи.

**ТИРИЛТМОҚ** тирилмоқ фл. орт. н. кам қўлл.

**ТИРИНКА** [р трико <фр> с. т. Уст кийим учун ишлатиладиган ип газлама. *Бир камзуллик тирикка.*] *Тирикка шим.*

**ТИРИШ** 1 от Терининг буришуви натижасида ҳосил бўладиган чуқур из; ажин, буришиқ, тиришиқ. [Ҳамидохоннинг] *нотинчи юзида жимлайиш эмас, тириш пайдо бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фолбин ингичка, узун, қоп-қора ҳабашдай, кўзлари гиллайнамо, силри қиёфадаги юзи қат-қат тириш.* Ойбек, Болалик.

2 сфт Буришган, тиришган. *Опам қоп-қорайиб кетган тириш қўллари билан юзини беркинди-да, йиғлаб юборди.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизман.

**ТИРИШИБ-ТИРМАШМОҚ** Куч-ғайратини аямасдан, астойдил ҳаракат қилмоқ, жон-жаҳди билан уринмоқ. [Камтир:] *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай деб, тиришиб-тирмашиб ётибман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Азаматлар хўб тиришиб-тирмашиб, бригада ерини уч йилда дашт ҳисобига икки баравар кенгайтирди.* Х. Назир, Маёқ сари.

**ТИРИШИЛМОҚ** тиришмоқ 3 фл. мажх. н. Асарда фикрни содда ифодалашга тиришилди. — *Кўл мускуллари жуда тез чарчаб қолади ва кўлни ҳар қанчалик шу ҳолатда ушлаб туришга тиришилса ҳам, қўл настега тушиб кетади.* «Анатомия».

**ТИРИШИҚ** 1 от Ажин босган, буришган, тиришган жой; бурма, қат, ажин. *Юз тиришиқлари.*

2 сфт Ажин босган, буришган, тиришган. *Тиришиқ юз.*

**ТИРИШМОҚ** 1 Қартайиб ажин, тириш билан қопланмоқ. [Мулладўст:] *Бетларимиз тиришди, бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига киришди, бизгяям ажал деган рўдапо деворнинг орқасидан киришди.* Ҳамза, Майсаранинг иши. | *Нафрат, норозилик, оғриқ каби ҳис-туйғулардан буришмоқ, бужмаймоқ. Матқовул ака аввал хаҳолаб кулди, кейин бирдан юзи тиришди, қовоқлари тушиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Қуруқшаб ёки бирор ташқи таъсир натижасида тортишмоқ, таранглашмоқ. Унинг бошига муз югуриб, асаблари тиришди.* Х. Фулом, Машғал. [Элмуроднинг] *яраси тиришиб, оғриб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Баданида ёки бирор аъзосида қақшаган, зирқираган оғриқ сезмоқ. *Мен тиришиб кетяпман.* — [Гулнор] *оёқларининг акашаклана бореганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сезди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Шундай оғриқдан ёки шундай оғриқ туғдирадиган ҳис-туйғудан жунжимоқ, букчаймоқ, гўжанак бўлмоқ. Совуқдан тиришмоқ. Очликдан тиришмоқ.*

3 Астойдил ҳаракат қилмоқ; уринмоқ. *Бировни ишонтиришга тиришмоқ. Болани юпатишга тиришмоқ. Ўзини оқлашга тиришмоқ. Тиришган тоғдан ошар.* Мақол. — *Дармони қуриган йиғит ўзини дадил тутушга тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТИРИШТИРМОҚ** тиришмоқ 1, 2 фл. орт. н. Кучала одамни тириштиради. — *Бектемир пешанасини тириштириб ўйлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Агар биронтаси башарасини тириштириб гапирса, балога қоларди.* С. Аҳмад, Оқ сут ва оппоқ нур.

**ТИРИШҚОҚ** Ҳар қандай ишга астойдил ҳаракат қиладиган, тиришиб ишлайдиган, мўлжаллаган ёки бошлаган ишини пихоясига етказмай қўймайдиган; ҳаракатчан. *Тиришқоқ бола.* — *Йўқдан бунёд — бу тиришқоқ халқнинг суйган хунари.* Ф. Фулом.

**ТИРИШҚОҚЛИК** 1 тиришқоқ с. белги оти. *Ўқувчининг тиришқоқлиги.*

2 Тиришқоқ кишиларга хос иш-ҳаракат; ғайрат. [Йўлчи] *зўр тиришқоқлик ва севги билан китоб мутолаасига берилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИРИҚЛАМОҚ** Секин тақилламоқ, тиқирламоқ. *Шундай пайтларнинг бирида ишиқ тириқлади.* Х. Шамс, Душман.

**ТИРИҚЛАТМОҚ** тириқламоқ фл. орт. н. Чироқни ёқмоқчи бўлганида эшикни биров худди мушук таталагандай тириқлатди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТИРИҚТИРМОҚ** Олдига солиб югуртириб, зирқиратиб ҳайдамоқ. У [Қудрат] *узун тол наводасини синдириб олди-да, сигирни савалаганча олдиға солиб тириқтира кетди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Жон ховучлаб қочишга мажбур қилмоқ, тирақайлатмоқ, тумгарақай қилиб юбормоқ. Утган уруида отам қашнашган бўлса, бунда мен қашнашадиганга ўхшайман.* Эҳтимол, қайси бир бобом Наполеонни тириқтиргандир. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТИРКАЛИШМОҚ** тиркалмоқ фл. бирг. н. Аравалар бир-бирига тиркалишиб қолди.

**ТИРКАЛМА** Бошқа бир уловга, машинага тиркаб ишлатиладиган, ўзи мустақил юрмайдиган; тиркама. *Тиркалма плаг.* *Тиркалма саялка.*

**ТИРКАЛМОҚ** тиркамоқ фл. мажх. н. *Тракторга тиркаладиган асбоблар.* — *Азизийнинг иши ҳам Сергей Иванов олиб бораётган терговга тиркалди.* Х. Фулом, Машғал.

**ТИРКАЛУВЧИ** 1 тиркалмоқ фл. ш. оти.

2 Тиркаладиган, тиркалма. *Тракторга тиркалувчи мослама.*

**ТИРКАМА** айн. тиркалма. *Тиркама культиватор. Тиркама саялка.*

**ТИРКАМАЛИ** Бирор қуролни тиркаб, улаб ишлатишга мосланган; тиркалмаси бор. *Тиркамали трактор.*

**ТИРКАМОҚ** 1 Бирор қурол ёки нарсани юргизувчи машина, улов ва ш. к.га бириктирмоқ, уламоқ. *Вагонларни паровозга тиркамоқ. Саялкани тракторга тиркамоқ. Вагонларни бир-бирига тиркамоқ.* — *Қаторга тиркадик лўк билан норча, Устига юкладик қирмизи парча.* «Алпомиш».

2 Бирга қўшиб қўймоқ, илова қилмоқ. *Мирза Муҳиддин Иброҳимовнинг ишига янги ҳужжатлар тиркади.* А. Қаххор, Сароб. *Абдурашул Алексий билан маслаҳатлашиб, унинг [Турдибойнинг] аризасини кулақлар ва даргумон одамлардан тушган аризалар делосига тиркаб қўйди.* П. Турсун, Ҳукутовчи. *Қўшимча равишда ёзиб қўймоқ, қўшиб ёзмоқ, қиритмоқ. Бўтабой. Содиқ тарангни кулоқлар рўйхатига тиркаб юборди.* С. Ахмад, Хукм. [Генерал.] *Ҳисоба олиш дафтариинизнинг бир чеккасига «гувоҳ фалончилар» деб, бизни тиркаб қўйинг.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Тирамоқ, суямоқ. *Шафтолига айри тиркамоқ.* — *Зикриё билан Азизбой унинг [эшоннинг] қўлигидан олиб сўрига ўтказдилар, ёнбошига нар ёстиқларни тиркаб қўйдилар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ТИРКАТМОҚ** тиркамоқ *фл. орт. н.*

**ТИРКАШ** 1 тиркамоқ *фл. иш оти.* *Саялкани тракторга тиркаш. Тиркаш мосламаси.*

**ТИРКАШ** II *диал.* Тиркиш. *Содиқнинг аризасида бир ҳўкиз, бир эшак, бир омон, бир молча. бир тиркаш. ва битта бўйинтуруқ ёзилган эди.* Айний, Куллар.

**ТИРКАШМОҚ** тиркамоқ *фл. бирг. н.* *Вагонларни паровозга тиркашди. Мени ҳам рўйхатга тиркашди.*

**ТИРКАШТИРМОҚ** тиркашмоқ *фл. орт. н.*

**ТИРКИШ** Арава шотисини эгар устида тутиб турувчи, икки учи бириктирилган қалин қайишдан иборат от-орава абзали. [Қори:] *Отангизга раҳмат! Сиз киму, биз ким!* — [Теша кулиб:] *Ҳаммамиз ҳам бир киши, араванинг тиркиши.* Уйғун, Хуррият.

**ТИРКОВ** тиркамоқ *фл. иш оти.* *Тирков асбоблари.*

**ТИРМА:** тирма мола ҳайдалган ерни текислаш билан бир вақтда юза юмшатиш учун ишлатиладиган тишли мола; сикмола.

**ТИРМАЛАМОҚ** *диал.* 1 Тимдаламоқ.

2 кам қўлл. *айн.* тирмашмоқ. *Тирмашмоқ тоққа чиқмоқ.*

◆ **Юрагини** (ёки **ичини**) тирмаламоқ *айн.* юрагини тирнамоқ қ. тирнамоқ. *Саҳнада кишининг юрагини тирмалайдиган оғир бир фожиа.* А. Қаххор, Сароб.

**ТИРМАЛАНМОҚ** тирмаламоқ *фл.*

*мажх. н.* [Кизнинг] қўлларига тикан кирди, юзи ва билаклари тирмаланди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ТИРМАЛАТМОҚ** тирмаламоқ *фл. орт. н.*

**ТИРМАЛАШМОҚ** тирмаламоқ *фл. бирг. н.*

**ТИРМАШМОҚ** 1 Маҳкам ёпишиб, чирмашиб юқори кўтарилмоқ, юқорига чиқмоқ. *Саккита бола бирдан: «Бўпти, жуда соз!» дейишди-да, деговга тирмашиб, томга гизиллашди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ана, улар чўққининг ёнбошида. йўл топиб, эчкилардай юқорига тирмашиб кетишди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Маҳкам ушламоқ, ёпишмоқ. *Мен югуриб бориб отамнинг оёғига ёпишдим, ранги қув ўчган, титраб турган Анвар унинг иккинчи оёғига тирмашди.* Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ? — *Ҳой, йўлчи, эсингни едингми? Уят!* — деб йигитга тирмашди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТИРМИЗАК** 1 *кест.* Ҳали қўлидан бирор иш келмайдиган, турмушининг оғир-енгилини кўрмаган, ёш, гўр бола ҳақида. *Мен унинг кўзини йўиб олай, ошиқ-маъшуқликни унга ким қўйибди, тирмизак чўри!* Ойбек, Қутлуг қон. *Ҳамма йигитлар урушга кетди. Далада хотинлари қарилар, тирмизакдай бўлиб биз, болалар, ишлаганмиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шўх болаларга нисбатан «шум-така», «тирланча» каби маъноларда ишлатиладиган ундалма. *Ҳой, омон бўлеурлар, буларни [болаларни] қаердан топдинглар? Қидирмаган жойим қолмади-я! Ҳа, тирмизаклар!* П. Қодиров, Қалбадаги қуёш. *Мабодо биронта бола томдаги каптарга тош отса, ишферни тешасан, тирмизак, деб уйигача қувиб боради.* С. Ахмад, Чўл шамоллари.

**ТИРНАЛМОҚ** тирнамоқ *фл. мажх. н.* *Тирналган қўллар.* — *Уй эшиги тирналган каби қитирлай бошлади.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**ТИРНАМА** муз. Торларини бармоқ учлари, нохин ва ш. к. билан тирнаб, чертиб чалинадиган. *Тирнама чодгу асбоби.*

**ТИРНАМОҚ** Тирноқ ёки ўткир учли нарсалар билан тилмоқ, юлмоқ, тимдаламоқ. *Мушук боланинг қўлини тирнаб олди.* — *Бу нон қилиқдан ясалган нонга ўхшарди.* Ҳар ютуми томоқни тирнаб ўтди, оч қоринга бирмунча қаноат берди, лекин кўнгилни оздириб, танга аста-аста оғу тарқатди. П. Турсун, Ҳукутовчи.

◆ **Ичини** ит (ёки мушук) тирнапти қ. ич 3. **Юрагини** (ёки кўнглини, қалбини, дилини, ичини) тирнамоқ юрагини алағда, безовта, ғаш қилмоқ, ташвишга солмоқ, яраламоқ; алам ўтқизмоқ. *Аммо [отасининг] Гулнорга уйланиши бойваччанинг юрагини тирнади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Узоқда бўри ҳамон аччиқ ув тортарди.* Ойдин кечада бу хунук овоз Степаннинг ғаш

*кўнглини тирнаб ўтгандай бўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Йигиталининг бугунги иши унинг ичини тирнаб кетди.* И. Раҳим, Зағора кема капитани.

**ТИРНАТМОҚ** тирнамоқ I *фл. орт. н.* **ТИРНАШМОҚ** тирнамоқ I *фл. бирг. н.* *Мушуклар бир-бирини тирнашди.*

**ТИРНОҚ** 1 Бармоқлар учининг орқа томонидаги этга ёпишган, шох моддали ҳимоя тўқимаси, қопламаси. *Тирноқ ўстирмоқ. Тирноқни қайчи билан олмақ.* — *Маҳсум ўсиқ тирноқларини Бобоқулнинг бўғизига ботиришга чоғлаб, хезланиб кела бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Баъзи ҳайвон ва қушларнинг панжаси ёки чангалидаги учи қайрилган, ўткир, шох моддали ўсимтаси. *Бурғутнинг тирноғи. Мушукнинг тирноқлари.*

3 *диал.* От туёғи. *От тирноғига теккан тош, Ёнғоқдай ушалиб кетди.* «Нигор ва Замон».

4 *қўйма* Фарзанд, бола. *Тирноқ кўрмоқ. Тирноққа зор бўлмақ.* — *Сизга тирноқ керак. Сиз тирноқ гадоси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнор билан ўн уч йил бирга туриб, тирноқ юзини кўрмадик.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Сизга оғир. Пешанангизга тирноқ битмади.* Кўнглингиз ярим. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

5 *қўйма* мажх. Баланд симёғочларга, матчаларга қўтарилиш учун оёқ киймига маҳкам боғлаб олинадиган тишли ўроқсимон темир асбоб. [Ажбаралин] *баъзан кечалари ҳам чақириб қолшса, йўқ демай, брезент шимини кийиб, шалдир-шулдир занжирли «темир тирноқ»ларини елкасига илиб чиқиб кетарди.* А. Мухтор, Чинор.

6 *айн.* қўштирноқ.

◆ **Тирноғини ўстирмайди** бировнинг бири икки бўлишига, бойишига йўл қўймайди. *Сиз ҳам хизматчининг тирноғини ўстирмайдиганлардан экансиз. Йўлдошбой шундай деди-ю, бойнинг бетига тик қаразанга тўраверди.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. **Тирноқдан** (ёки **тирноқ орасидан**, **оситдан**, **тагидан**) **кир изламоқ** (ёки **ахтармоқ**, **қидирмоқ**) арзмаган ёки йўқ нарсдан камчилик топиб бировни ноҳақ айблашга, тўхмат қилишга уринмоқ. *Сен тирноқ орасидан кир қидирмай қўя қол.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Уктам:] *Гап ташувчи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен жуда ёмон кўраман.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов?* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ТИРНОҚДАЙ**, «дек Кичкина, зигирдай. *Тирноқдай бола.*

**ТИРНОҚЛАМОҚ** 1 Тирноқларини ботириб чизик ҳосил қилмоқ, юлмоқ, тимдаламоқ, тирнамоқ. *Меҳмон [меҳмонхонадаги] номерни кўздан кечирди, ярқираб кўзни қамаштираётган жиҳозларни бирма-бир ушлаб, сил-*

китиб, тирноқлаб ҳидлаб кўрди. А. Қаххор, Думли одамлар.

2 *қўйма* Эски ярани қўзгатмоқ. *Марҳам* *истаб* қимсади бил заҳмин изҳор айласанг, чораи қилмоқдин ўза, *устига* тирноқлар. Муқимий.

**ТИРНОҚЧА** *реш* Озгина, жиндай. У тирноқча ҳам ҳам емайди. — Тирноқча жойимни сен хотин талоққа бермаганим бўлсин! Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИРНОҚЧА** тирноқ 1—3 с. кичр. Қўнғиз оёқлари бир қанча бўғимлардан иборат бўлиб, ўткир тирноқчалари билан тамомланади. «Зоология».

**ТИРОҒЛИК** Бирор нарсага тираб ёки суяб қўйилган; тегиб, қадалиб турган. *Деворага тироғлик нарвон.* — Шу соддагина ясашидан сўнг иккинчи тоқчада тироғлик турган кўзгу ёнига борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ширмонхон.. сийҳонга тироғлик тураан* *ручкалардан бирини олди.* С. Зуннунова, Олов.

**ТИРР** тақл. с. Латта, қоғоз йиртилганда чиқадиган товуш ҳақида. *Шим тиззасидан тирр этиб йиртилди.*

**ТИРРАК** с. т. Таррак.

◆ **Тирракдек қотмоқ** қаттиқ ухлаб қолмоқ. *Кечаси роса ичиб, наша солиб дамланган ошдан қорнига сиққунча еб, тирракдай қотган Розик қўрбоши билан йиғитларининг оёқ-қўлларини боғлаб... шахар турмасига жўнатилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТИРРАНЧА** айн. *тирмазак*. *Турдибой халфа очиқ чеҳра билан гап бошлади: Қўп яхши бўлибди-да, бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Карим, — деди раис Муроталининг сўзларини юлиб олиб, — у тирранча бошимизга битсан бало бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳей туққанларининг олдига борсанглар-чи, тирранчалар!* С. Аҳмад, Хукм.

**ТИРРАҚИ** I Ҳа деб тиррақилайверадиган, ичакетар. *Тиррақи бола. Тиррақи мол. Тиррақи бузоқ подани булғар.* Мақол. — *Улар [қўзилар] ҳали ёш-да, чироқ, ўз фойдаларини билмайди.* Агар ҳам сут эмиб, ҳам ўт еб тиррақи бўлиб юришини афзал кўришса, оналарига қўша қолай. С. Анорбоев, Оқсой. || *Поданинг ичида битта тиррақиси бўлса, ҳаммасини булғайди.* С. Зуннунова, Олов.

2 *Ориқ; ўлакса, нимжон. Олган ойлишига берса тўртта тиррақи қўй беради.* А. Қаххор, Сароб.

3 *қўйма* Ножўя, нопок ёки аҳмоқона хатти-харакатлари билан ишни бузадиган, булғатадиган; расво. *Тиррақи одам.*

**ТИРРАҚИЛАМОҚ** с. т. Ичи кетиб ҳамма ёқни булғамоқ.

**ТИРРИК** Ўйинда ва умуман олди-берди, савдо-сотиг ва бошқа муомалаларда бошқаларни алдашга, тонишга, фириб беришга ўрганган; фирром, фирибгар, нопок. *Тирриқ ўйинчи. Тирриқ одам.*

◆ **Таъби** (ёки **табиати, кайфи**) **тиррик** бирор нарсдан ранжиган, хафа; кайфи бузуқ. *Илҳомчанинг.. кўнгли ғаш, таъби тиррик, овози синиқ.* Х. Гулом, Сенга интиламан. [Назар:] *Ўйга борсам, хотиним табиатимни баттар тиррик қилди.* С. Зуннунова, Қўзлар. *Ботирали ўйга табиати тиррик бўлиб қайтди.* С. Аҳмад, Хукм.

**ТИРРИКЛИК** I **тиррик** с. белги оти. *Бу одамнинг тирриклигини энди билдим.*

2 Ўйинда, муомалада бошқаларни алдаш, тониш; фирибгарлик, фирромлик. *Тирриқлик қилмоқ.* — *Ҳафиз ошнасининг баъзида тирриқлик қилишини — жон койитмай кўпроқ пул топишининг кетиға тушганини пайқаса ҳам, негадир эътиқоди баланд эди.* Мирмухсин, Қизил дурралар.

**ТИРС** тақл. с. Чўғдан учқун отилганда, ип узилганда чиқадиган кескин, кучсиз товуш ҳақида. *Нимадир тирс этди: қизил уруғ қоюни дум берди шеклиди.* А. Эшон, Дутор.

**ТИРСАК** I I Қўлнинг билак суяги билан елка суяги қўшилган, букилиб бурчак ҳосил қиладиган жойи, бўғими. *Нозоқат тирсагини столага қўйди-да, чиройли панжалари билан юзларини силаб, ноз ва эркалик билан сўз бошлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳаммасини қанчага берасан деб, Қарим тирсаги билан Ойтўтини секингина туртиб қўйди.* Ойдин, Фонарь тағида. *Бондарь чиқайтиб Анна Ивановнанинг тирсагидан одоб билан тутди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. | *Енгнинг қўлнинг шу ерига тўғри келадиган қисми. Қўйлакнинг тирсаги йиртилибди.*

2 *Нарсаларнинг бурчак ҳосил қилиб букилган жойи ёки қисми. Трубининг тирсаги. Валнинг тирсаги.* — *Эътиборсизлик, шошқалоқлик қилинади-ю, чизикдан чиқишади: лова мулолишида паст-баландлик, бир метр келадиган қийтиқ тирсак пайдо бўлиб қолди.* Й. Шамшаров, Қахрамоннинг йўли.

◆ **Тирсақни тишлаб бўлмас** кўришиб турган, аммо қўлга киритиб бўлмайдиган нарса ёки амалга ошмайдиган орзу ва ш. к. ҳақида айтиладиган матал.

**ТИРСАК** II Тилда пайдо бўладиган сўгалсимон бўртиқ, чиқик; сариқча. *Тилимга тирсақ чиқибди.*

**ТИРСАҚЛАМОҚ** Тирсаги билан бирини қилмоқ (суяғмоқ, туртмоқ, қормоқ, пишитмоқ ва ш. к.). *Столга тирсақлаб ўтирмоқ.* — *Отаси Мирзахўжа новвой хамир тирсақламоқда, ўғай аяси Зиёдабиби ун эламоқда.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ТИРСАҚЛАНМОҚ** тирсақламоқ *фл. мажх. ва ўзл. н. Ёстиққа тирсақланмоқ.*

**ТИРСИЛЛАМА** Терисига, қобиғига сиғмас даражада тўлишган, етилган; бўлиқ. [Сўнагулниң] *лаблари ҳам етук қизларга хос бўлиқ, тирсиллама.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТИРСИЛЛАМОҚ** I «Тирс» этмоқ, кескин, кучсиз овоз чиқармоқ, чирсилламоқ. *Цемент солинган халта тирсиллаб ёрилиб кетди. Қуруқ ўтин тирсиллаб ёна бошлади.*

**ТИРСИЛЛАМОҚ** II I Терисига, қобиғига сиғмас даражада тўлмоқ ёки тўлишмоқ, тўлиб ёрилар даражага етмоқ. *Сигирнинг елини тирсиллаб кетибди.* — *Тўлишган, орқа-бели тирсиллаган* *ғўзал гавдасини серкиллабди, Дилдор даҳлиздан хона ичига кирди.* Ойбек, Навоий. *Семизликдан қўзлари қисилиб кетайёган, қонталашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай.* А. Мухиддин, Чап чўнтак.

2 *қўйма* Тўлиб-тошмоқ (куч-қувват, ғайрат ва ш. к. ҳақида). *Норғул, ўрмовлардан кучи тирсиллаб Чўпон чиқиб келди қатта ўтовдан.* Зулфия.

**ТИРСИЛЛАТМОҚ** тирсилламоқ I *фл. орт. н. [Дев:] Тирсиллашиб данак отган қайси бирларинг? Ф. Гулом, Насриддин ва шайтон алайҳиллаъна.*

**ТИРС-ТИРС** тирс с. тақр. *Боғларда анорлар қондириб чанқоқ Табасум қилгандай тирс-тирс очар лаб.* Х. Шарипов.

**ТИРТАЙМОҚ** Аразлаган, ранжиган ёки зарда қилган куйи чимирилмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ, тумшаймоқ. [Жўра] *ўқшига борадику-я, аммо [синфдошлари] «кеча кетсан эдинг кеккайиб, буғун келдингми тиртайиб?!» дейишса нима қилади.* Н. Назаров, Замон.

**ТИР-ТИР** тир III с. тақр.

**ТИРТИШМОҚ** I Тарағлиниб буришмоқ, тиришмоқ. *Костюмингиз тор экан, елкаси тиртишиб ётибди.*

2 *Битиб буриш-тириш бўлиб қолмоқ. Яраси битиб юзи тиртиш бўлиб қолди.*

**ТИРТИК** Битган яра, жароҳат ўрнида ҳосил бўлган ямоқ; чандиқ. *Унинг хотини.. гоҳ-гоҳ зимдан Боқижоннинг бўйнидаги тиртиғига қараб кўяр эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Йиғитнинг қора мағиздан келган чўзиқ юзи, айниқса қош-кўзининг қоралии уни бироз лўлига ўхшатиб кўрсатар, лабининг четидаги пичоқ тилгандай ингичка, чуқур тиртиғи негадир бу ўхшашликни тағин ҳам кучайтирган эди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон киссаси.

**ТИРҚИРАМОҚ** I Ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, қочмоқ, тўс-тўс бўлмоқ. *Эшик оғзида уймалашиб турган қизчалар ён-ёққа тирқираб ғойиб бўлишган эди.* С. Анорбоев, Мехр. *Илгарилар бу ерга елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осан отиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узокдан кўриб «солиқчи» дердилар ва бекингани жой ахтариб тирқираб кетардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *Отилиб чиқмоқ, шиддат билан чиқиб атрофга тарқамоқ, сочилмоқ (суюқлик ҳақида). Ярадан қон тирқираб кетди.* — [Эргасининг] *чап бош бармоғидан тирқираб қон оқлатди.* М. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. У [Майна]

ўзини босишга уринса ҳам бўлмади — икки кўздан севинч ёшлари тирқираб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТИРҚИРАТМОҚ** тирқирамоқ *фл. орт. н.* Тирқиратиб ҳайдамоқ. Тирқиратиб ёш оқизмоқ. — Хизматкор мени ичкари ҳовлимизга тирқиратиб қувиб кирди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**ТИРҚИРАШМОҚ** тирқирамоқ *1 фл. бирг. н.* Болалар тирқирашиб қочдилар.

**ТИРҚИШ** *1* Бир-бирига зич ёпишмаган эшик табақалари, тахта ва ш. к. орасида ҳосил бўлган тор ва узун бўш оралик. Дераза тирқишидан муздёк ҳаво кирмоқда. — Эшик тирқишидан йўлакка ипдек ҳовлимизга нур тушиди. С. Аҳмад, Уфқ. Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон тирқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб Пенза, деди. И. Раҳимов, Чин муҳаббат.

*2* Узун тешик, ёриқ, узун дарз. Девор ёрилиб, тирқишлар пайдо бўлибди.

**ТИРҒАНИШМОҚ** тирғанмоқ *фл. бирг. н.*

**ТИРҒАНМОҚ** *айн. сирғанмоқ.* Тирғаниб йиқилмоқ. — Тирғаниб, лой сачратиб юзурган Гулнор, ўз эшигида бир нафас тўхтаб, кечинмаларини онадан яширишга қанча уринмасин, буну эплай олмади. Ойбек, Қўтлуг қон.

**ТИРҒАНТИРМОҚ** тирғанмоқ *фл. орт. н.*

**ТИРҒАНЧИҚ** *айн. сирғанчик.* Тирғанчик жой. || Тирғанчикдан тойиб йиқилмоқ.

**ТИС** *унд. с.* Отни орқага тисаришда айтилади.

**ТИСАРИЛИШМОҚ** тисарилоқ *фл. бирг. н.* [Транишяга] яқин турганлар алланималар деб бақириб, юз-кўзларини тўсиб тисарилишди. А. Мухтор, Чинор.

**ТИСАРИЛМОҚ** *1* тисармоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Машина сал тисарилса, йўл очилади. — Тўра.. орқасига тисарилиб югуриб келиб, бутун кучи билан сакради. Ж. Шарипов, Хоразм. Душман энди олға югуриш ўрнига тисарила бошлади. Н. Сафаров, Комиссар Қорабобов.

*2* кўчма Тутилган йўлдан, фикридан, эътиқодидан ёки аزمи-қарори, шахти ва ш. к.дан қайтмоқ, чекинмоқ. Ишнинг ҳақлигига шонсанган, унга астойдил қириштирилмади. — Сиз билан биз нозик соҳанинг — идеология соҳасининг кишиларимиз. Бу соҳадаги ҳар бир бўйлашнинг, ҳар бир тисарилиш ёт гоъларга йўл очиб бўлиб чиқади. Уйғун, Сўнгги пушаймон.

**ТИСАРМОҚ** *1* Орқаси билан юргизмоқ, орқаси билан юргизиб кетига қайтармоқ. Чавандоз отини тисарди. — Қиз.. уни [мулла Бурхонни] ҳужра ичига қарата тисариб: шоиманг.. депти. Айний, Эсдаликлар. У [Кумри] машинани тисариб, чап томонга сал бурди. С. Аҳмад, Ойдин чечаклар.

*2* Чекинишга мажбур қилмоқ. Душманни фронт бўйлаб тисардик.

**ТИСАРТМОҚ** тисармоқ *фл. орт. н.* Ҳали кучли бу лаънати ёв, ўзинг кўррясан, бир сурганча тисартиб олиб кетиш қийин бўляпти. В. Ғофуров, Вафодор.

**ТИСҚИ** [р] *тех.* Ишлов бериладиган буюмни сиқиб маҳкамлаб қўйиш учун хизмат қиладиган слесарлик асбоби; гира, исканжа. Ҳасан тисқига дам болганинг бир қиррасини қисар, зўр бериб эвоғлар эди. Ибохон, Улуғ кун.

**ТИСЛАМОҚ** *1* Орқаси билан юрмоқ, тисланмоқ, тисарилмоқ.

*2* Орқаси билан юргизмоқ, тисармоқ. Аравани тисламоқ. — Уроқ шоферга машинани орқага тислашни буюрди. Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

**ТИСЛАНМОҚ** тисламоқ *1 фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Ҳамшира қиз бемордан кўзини олмай, тисланиб палатанинг нариги бурчагига бориб ўтирди З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Курачиш кетди, лекин Отряд ҳеч тисланмади. Х. Олимжон.

**ТИСЛАНТИРМОҚ** тисланмоқ *фл. орт. н.* Солиҳова машинасини тислантириб, боғ кўчанинг кенгайган ерига олиб чиқди, буриб олиб жўнаб кетди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ТИСЛАТМОҚ** тисламоқ *2 фл. орт. н.* Улар бир-бирларининг отлари тумшугига қамчи уриб, уни кейин тислаштириб, ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қилардилар. Айний, Эсдаликлар.

**ТИСС** *унд. с.* Овоз чиқармасликка ёки секин сўзлашга қақирини учун ишлатилади. — Тисс, — Абдулла дик этиб ўрнидан турди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТИТАН** *1* [р<грек] Сув қайнатадиган махсус қурилмали катта иднш. [Эраш:] Мана бу эса титан дейилади, — деди сув қайнатаётган ялтироқ идишни кўрсатиб. П. Турсунов, Уқувчи.

**ТИТАН** *II* [р<грек] Химиявий элемент, кул ранг пўлатсимон қаттиқ металл.

**ТИТИЛМОҚ** титмоқ *фл. мажҳ. ва ўзл. н.* Яхши титилган жун. Китобнинг муқоваси титилиб кетибди. Гўшт қайнайвери титилиб кетибди. — Фабрикага келтирилган пахта толаси аввал титилади, сўнг пилта қилинади. М. Жўра, Кўёшдан нур эмганлар. Сафаров булар билан ҳам саломлашди-да, титилиб, пружиналари чиқиб ётган диванга ўтириб, папирос чекди. А. Қаххор, Қўшчинор. Кўкси титилган, бутун кун ўт ва тутун бурқтириб инграган далага қоронғилик чўка бошлади. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ТИТИЛТИРМОҚ** титилмоқ *фл. орт. н.* Гўштни титилтириб пиширмоқ.

**ТИТИНМОҚ** титмоқ *1, 2 фл. ўзл. н.* Ивирсқ дўконхонада титина бошлади. Ойбек, Болалик.

**ТИТИШМОҚ** титмоқ *фл. бирг. н.*

Пайпоқ тўқиш учун улар жун титишяпти. Товуқлар гўнг титишмоқда.

**ТИТИҚ** *1 сфт* Титилиб, тўзиб увадаси чиққан, титилиб кетган, дабдала. Титиқ китоб. Титиқ кўрпа. Титиқ сават. Титиқ қоп.

*2* от Нарсаннинг титилган, тўзган жойи; титилган, тўзган нарса. Дастурхоннинг титиғи. Шляпанинг титиғи. **ТИТИҒИ** *чиқиб* (ёки *ўйнаб*) кетибди *1*) титилиб, тўзиб увадаси чиқибди, жулдир-жулдир, дабдала бўлибди. Кўрпанинг титиғи чиқиб кетибди. *2*) даванинг титиғи чиқиб кетибди; *3*) кўчма дабдаласи, мажағи чиқибди, тор-мор бўлибди. Душман отрядининг титиғи чиқиб кетди. **ТИТИҒИНИ** *чиқармоқ* (ёки *ўйнатмоқ*) *1*) йиртиб, титиб, тўзитиб увадага айлантирмоқ, жулдир-жулдир, дабдала қилмоқ. Болалар ўйинчоқнинг титиғини чиқардилар; *2*) бурда-бурда, парча-парча қилмоқ. — Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни, адашиб кетишидан қўрқиб, эшакнинг қанжигасига боғлаб олган экан, бўлмаса пок титиғимни чиқарар экан, — деди Шум бола. Ғ. Ғулмо, Шум бола; *3*) кўчма дабдала қилмоқ, тор-мор, яқсон қилмоқ. Йигитларимиз баайни шер, арслон! Темир, пўлат! Азаматлар шундай урушиди-ки, душманнинг титиғини чиқариб юборишди. Ж. Шарипов, Саодат.

**ТИТКИЛАМОҚ** Титиб, кавлаштириб бирор нарса қидирмоқ; титиб, кавлаштириб остин-устин қилмоқ. Стол яшигини титкиламоқ. Хўжжатларни титкиламоқ. Товуқлар гўнг титкиламоқда. — Афандининг қизчаси уйни титкилаб юриб, кўзи отасининг ҳалиги халтачасига тушиб қолди. «Лати-фалар». «Шунгаем-ми» — дедим ичимда ва қидиришга арзимаса ҳам, шу қизни хурсанд қилиш учун, икки кўлим билан тупроқни титкилашга тушдим. Ойдин, Икки кўзи шунда. | У ёқ-бу ёғнини ағдариб, ораларини очиб, синчиклаб кўрмоқ, текширмоқ. Абрам қўлидаги ипакнинг у ёқ-бу ёғини титкилаб кўра бошлади. С. Аҳмад, Оқ падар.

**ТИТКИЛАНМОҚ** титкиламоқ *фл. мажҳ. н.* Титкиланмаган жой қолмади, ҳеч нарса топилмади. — Утники ўтга, сувники сувга кетди, дегандек, ижод хазинаси титкиланиб қаралса, Адибий бечоранинг ёлғиз тахаллуси қолибди. А. Муҳиддин, Кўёв қочди.

**ТИТКИЛАТМОҚ** титкиламоқ *фл. орт. н.* Шерназарбой, Ашир маҳрам элатларга накарлар юбортирдилар, гумонсироган уйларни титкилатдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТИТКИЛАШМОҚ** титкиламоқ *фл. бирг. н.* Мен уйимга кириб чиқай, каниз ўлгурлар титкилашмадимикан. Мирмуҳсин, Чўри. Нариси дарахтга бир жуфт мусича кўнди. Тумшуқлари билан бир-бирларининг патларини титкилашиб, ўйнашиди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ТИТМОҚ** *1* Тўдалаб, уйиб қўйилган нарсани кавлаб, ағдариб, сочиб би-

роп нарса ахтармоқ. Товуқлар гўнэ титмоқда. Қутичани титиб, ангишвона қидирмоқ. | Умуман тўзгитмоқ, сочмоқ. Шамол похолни титиб юборди. — Дарвозадан тўғри қараганда динамит билан титиб ташланган Арслонтепа вайроналари яққол кўриниб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **ЎТНИ** (ёки оловни) **ТИТМОҚ** жўнаштириш мақсадида оловни кавлаштирмоқ, ағдармоқ. Саидий уни [қўлёмани] печкага тиқиб, тезроқ ёндириш учун косов билан титиб ўтирганида ҳам «нега?» дейдиган киши бўлмади. А. Қахҳор, Сароб.

2 Кавлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб қарамоқ, титкиламоқ. Сандиқни титмоқ. Уйни титмоқ. — Қизил крест аломатли брезент сумкани титиб, дори олди-да, Мурзинга тутди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қоғозларини қанча титсам ҳам, лавнати дафтар сира-сира топилмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Бирма-бир қараб чиқмоқ. Кечқурун ўзида бор журналларни титиб, Уфатнинг шеърларини топди. А. Қахҳор, Сароб.

3 махс. Юлиб, саваб, қоқиб ёки бошқа йўллар билан юмшатмоқ ва чанг, хас-хашакдан тозалармоқ. Пахта титмоқ. Жун титмоқ.

4 с. т. Пора-пора қилмоқ, дабдала қилмоқ, мажағини чиқармоқ, жигини эзмок. Хозир кўзига кўринсанг, титиб ташлайди. А. Қахҳор, Сароб. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИТ-ПИТ:** тит-пит бўлмоқ титилиб-сочилиб кетмоқ, тўзиб кетмоқ; остин-устин бўлмоқ. Ўнлаб километр масофада яп-янги кабеллар тит-пит бўлиб кетган эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **ТИТ-ПИТ ҚИЛМОҚ** 1) титкилаб, титиб остин-устун қилмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ; 2) кўчма миридан-сирйгача текширмоқ, текшириб остин-устин қилмоқ, ков-ков қилмоқ. **ТИТ-ПИТНИ ЧИҚАРМОҚ** 1) адабини бермок, бурнини ерга ишқамоқ, тавбасига таянтирмоқ. Менга қаранг, Афандихон, Бўта яна раис бўлади. Аммо лекин унга туҳмат қилганнинг тит-питини чиқазаман. С. Аҳмад, Хукм; 2) айн. **ТИТ-ПИТ ҚИЛМОҚ.**

**ТИТРАК** кам қўл. Титроқ, қалтироқ. Гулморнинг ранги ўчган, лаблари титрак. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИТРАМОҚ** 1 Совуқдан, кўрқувдан, хаяжондан ёки дармонсизликдан, касаллик ва ш. кдан қалтирамоқ. — Ҳаёт ниқ-ниқ йиллар, елкалари дир-дир титраб эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўзларимиз тўқнашди-ю, унинг лаблари титраб, кўзларидан икки томчи ёш думаланиб кетди. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Шодлигимдан ўзимни йўқотаёғдим, даг-даг титрайман. К. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит.

2 Қимирламоқ, тебранмоқ, силкинмоқ. Баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор терак-

лар жимгина титрайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қор-ун тўзиб кетади. Титрайди толлар. Х. Олимжон. Али таянғининг сарғиш мўйлови титраб кетди. Ойбек, Куёш қораймас. | Ларзага келмоқ, силкинмоқ. Ғулможоннинг гурзиси асов тош устига даҳшат билан урилеанда, бутун тоғ титраб, унгурун ичи гумбурлаб кетар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Даҳшатли гулдуросдан само титради. Ойбек, Куёш қораймас.

3 Дирилламоқ, зирилламоқ. Қаттиқ титраган дерза орқали узокда ўт-бўронлар кўринади. Ойбек, Куёш қораймас. | Турли жилвалар билан тўлқинланиб ёки узилиб-узилиб чиқмоқ (товуш ҳақида). — Қалай энди тузукмисиз? — Шукур, раҳмат. — Унинг овози титраб, гапининг охири яхши эшитилмади. С. Аҳмад, Хукм.

**ТИТРАТМОҚ** титрамоқ фл. орт. н. Безгак беморнинг вужудини титратди. «Ура!» садолари еру кўкни титратди. — Уни [тоғни] ер ости zilzilалари ҳам халқ овозидек титратмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Вақтсиз тугалди бебаҳо умринг. Титратди юракни бу оғир алам. Ғайратий.

**ТИТРАШМОҚ** титрамоқ 1, 3 фл. бирг. н. Очиқ эшикдан ёпирилиб кираётган буюқданми, .. болалар дир-дир титрашар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТИТРОҚ** 1 от Совуқдан, кўрқувдан, хаяжондан ёки дармонсизлик, касаллик ва ш. кдан юзага келадиган ғайришуурий ҳаракат, қалтироқ. [Сидиқжоннинг] телеграмма қоғозини тутиб турган қўли титради. Бу титроқ аста-секин бутун вужудини қамраб олди. Э. Усмонов, Кўнгил. Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Полиция маҳкамаси олойдан ўтаркан, ҳар кимни титроқ босар унинг жабрини, даҳшатини халқ ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут тотиб туради эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 сфт Титраб, қалтираб турадиган, титрайдиган, қалтирайдиган; қалтироқ. Титроқ қўл. Титроқ оёқ. Титроқ чол. — Замира унинг титроқ вужуди ва ҳаддан ташқари оловли қаршига тоб беролмай, стол устига пастроқ энгашди. П. Қодиров, Уч илди.

3 сфт Тўлқинланиб ёки узилиб-узилиб чиқадиغان (асосан овоз, товуш ҳақида). У, оппоқ рўймоласи билан кўзларидан дона-дона оқиб тушаётган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТИТТИРМОҚ** титмоқ фл. орт. н. **ТИТУЛ** [р<лат.] полигр. Китобнинг номи, автори, нашр қилинган йили ва нашриёт номи кўрсатилган биринчи бети. Китобнинг титули. Титул вағғи.

**ТИФ** [р<грек] мед. Иситма ва онг хиралашуви билан кечадиган оғир юқумли касалликларнинг умумий но-

ми; терлама. Орада беш ой ўтгандан кейин, унинг бўйга етган қизи тиш билан оғриб, ўн етти кун деганда вафот қилди. А. Қахҳор, Сароб.

**ТИХИР** с. т. Сўзга, маслаҳатга кирмайдиган, тутган ерини кесадиған; ўжар, қайсар. Тихир бола. Тихир от.

**ТИХИРЛАНМОҚ** Тихирлик, ўжарлик қилмоқ, қайсарлиги тутиб туриб олмоқ.

**ТИХИРЛИК** 1 тихир с. белги оти. Учоқ бошида идиш-товоқларни юв-ётиб ҳамма гапдан хабардор бўлиб турган Уринбу қайнатасининг тихирлигидан уялди. С. Анорбоев, Оқсой. Тоҳиржон болалигига бориб тихирлигини қўймади. Н. Мақсудий, Умидли бола. От негадир тихирлик қилиб юрмай туриб олди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Қаршилиқ; норозилиқ. Бошқа ариза бир оғиздан қабул қилинса ҳам, бироқ мулла Муҳсин домланики устида тихирлик туғилади. А. Қодирий, Обид кетмон. Домла аввалига бир оз тихирлик қилиб турган бўлса ҳам, орқаси билан ўликка юз ўгириб, минг эжирканишлардан кейин ўликнинг оёғини кўтариб берди. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ТИШ** 1 1 анат. Овқат ейиш, тишлаш, чайнаш учун хизмат қиладиган аъзо. Қурак тиш. Озиқ тиш. Ясама тиш. Гилла тиш. Тиш чўткаси. Тиш настаси. Тиш доктори. Тиш тозалармоқ. Тиш қўймоқ. Тишини суғурмоқ (олмоқ). Тишини ғижирлатмоқ. Оғриқ тишининг давоси олбир. Мақол. — Жувон елкаси оша Сидиқжонга қараб, оппоқ, маржондек тизилган тишларини ярқиратиб илжайди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Тиш ёрмоқ тиши кўрина бошламоқ, тиши чиқмоқ (ғўдақлар ҳақида).

2 Қурол-асбоб, машина қисмлари ва ш. книнг ўткир, учли қисми. Арранинг тиши. Қирғичнинг тиши. Тароқнинг тишлари. — [Фариха] баъзан бир-бирига тиши билан тирмашган жуда кўп филдиракларда.. тикилиб туради. А. Мухтор, Жанжалнинг маънисини нама. | Омоч, плуг, культиватор каби дехқончилик қуролларининг ерга ботиб кирадиган учли қисми.

◆ «да тиши чиқкан» ёшликдан бирор иш билан шуғулланиб ўсган, шу сабабли уни яхши ўрганган, ҳадисини олган; бирор ишда суяғи қотган. Дехқончиликда тиши чиққан. — Кечагина шинель кийган Чернецов ҳарбийда тиши чиқиб, ҳарбийда балогатга етган капитанга тактикадан дурс бермоқчи. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тиши ўтади тушунади, ақли етади; билади, фойдалана олади. Газета ёки китоб ўқиғанда, ўзининг тағбири билан айтганда, тиши ўтмай қоляпти. Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас. **Бировга (қарши) тиш қайрамоқ** бировга қарши қасд қилиб, яниб юрмоқ. **Тишнинг қавагида (ёки орасида) сақламоқ (ёки асрамоқ)** жуда эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ.

Афандининг тиш қавагида асраб юрган юз танга пули бор эди. «Латифалар». Тишининг оқини кўрсатмоқ илжайиб, тиржайиб кулмоқ. Шундай табаррук одамга қайси бетим билан тишимнинг оқини кўрсатаман? М. Исмоилий, Фаргона т. о. Тишини-тишига қўймоқ ўзини тиймоқ, босмоқ; сабр-тоқат қилмоқ, чидамоқ. Қози Исохон, унинг атрофида ўтирганлар тишини-тишига қўйиб, жумланинг охир бўлишини кутдилар. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ТИШ II с. т. Таш, сирт, ташқари. Мол оласи тишида, одам оласи ичида. Мақол. — Узи тишдан ялтираб кўринса ҳам, ички жиҳатдан сурбет бир кимсага ўхшаб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШАЛМОҚ тишамоқ *фл. мажх. н.* Тишалмаган арра.

ТИШАМОҚ Тиш чиқармоқ ёки тишини чархлаб ўткирламоқ. Аррани тишамоқ.

ТИШАТМОҚ тишамоқ *фл. орт. н.* Аррани тишатмоқ.

ТИШЛАМ Нон, гўшт ва ш. к. овқатнинг бир тишлашда узиб олинган қисми ёки бир тишлаш парчаси. Бир тишлам *ғўшт*. Бир тишлам *ёғ*. — Бир тишлам нон гадоси бўлиб бироз эшигга борган вақтларим бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШЛАМОҚ I Тишлари орасига олиб бир қисмини узиб, ажратиб олмоқ. Жуvon қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. | Чайнамоқ. Гулнор эски чит гупписига ўралиб, нонни иштаҳасиз тишлар, самовар тахлитда ясалган кумфондан чой қуяр эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Емоқ, ошамоқ. Ишламаган тиш-лама. Мақол.

3 Тишлари орасига олиб қисмоқ, тишлари билан тутмоқ, тишида ушламоқ. Мушук боласини тишлаб ҳовлига олиб чиқди. — Мирзакаримбой.. сўзни намадан бошлашни билмай, соқолнинг учини тишлаб деди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Жўра] қамчини тишлаган ҳолда, отга минди. Х. Шамс, Душман.

4 Тишларини ботириб жароҳатламоқ, қопмоқ. Уни ит тишлаб олди. Бу от тишламайди. — Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. От жонивор, олдидан келгани тишлаб, орқадан келгани тегибди. «Эртақлар».

5 Кўчма Каттиқ гап билан озор бермоқ, ачитиб гапирмоқ, қақиб олмоқ. Мاستон кампир неварасининг йўғлаб туриб қилган зорига қарамай, яна тишлаб-тишлаб олмоқчи бўлди, лекин шайтонга ҳай берди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

6 кам қўлл. айн. тишамоқ.

◆ Аччиғинг келса, бурнингни тишла ҳафа бўлсанг, жаҳлинг чиқса, ўзингдан кўр, ўзингни жазола маъносидаги ибора. Бармоғини тишламоқ қ, бармоқ.

Ер тишламоқ жон бермоқ, ўлмоқ. Мум тишламоқ қ, мум. Тишида тишламоқ жуда эхтиёт қилмоқ, авайламоқ; сақламоқ. [Турсун] икки-уч ёшида ондан етим қолди. Отаси уни тишида тишлаб катта қилади. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТИШЛАНМОҚ тишламоқ I, 3—6 *фл. мажх. н.* Боланинг қўлида бир чекаси тишланган кулча. — Фақат кучли қўллар унга монө бўладилар — тесқари тишланган ялтироқ пичоқ. Ф. Ғулом, Соялар.

ТИШЛАТМОҚ I тишламоқ I, 3—6 *фл. орт. н.* Менинг пойлайдиганим ҳам, тишлаб оладиганим ҳам йўқ, тузукми! Тишлатиб қўядиган қизлардан эмасман. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Синдор эса, ер бағирлаб ўрмалаётган икки оёқли ҳайвонларга мерганларча ўт очиб, ер тишлатарди. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача. Кулоқ тишлатмоқ ёшлигиданоқ, болалик чоғлариданоқ унаштириб қўймоқ. Меҳрибон бувингиз билан иккаламиз Гулжаҳоннинг қулоғини Йўлдошвойга худди шу супанинг нақ ўзида тишлатганмиз. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Кўчма Кези келганда гап билан бошламоқ; гапни ўрнига қўймоқ; ўринли гап қилмоқ. — Дадаларимиз худди бизнинг шўх, қувноқ бўла олишимиз учун ўлиб кетган бўлса-чи! — деб тишлатдим мен ҳам. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИШЛАТТИРМОҚ тишлатмоқ *фл. орт. н.*

ТИШЛАШМОҚ I тишламоқ *фл. берг. н.* Кутиб турган хотинлар, Қумушни кўрган он бир-бирларига қарашиб, лабларини тишлашди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизлар ўйнашиб, қизгалдоқдай яйнашиб, . . . биров-бирови билан тишлашиб, . . . бир хиллари биров-бировининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди. «Равшан».

2 Бирор нарсага ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ. | *тех.* Бир-бирига киришмоқ, илашмоқ. Тишлаган шестернялар.

ТИШЛИ Тишн бўлган, тиши бор. Тишли мола. Икки тишли плуг. Тилла тишли аёл. — Чернецов.. гимнастёркасининг чап чўнтагидаги майда тишли тим қора тарағини олиб, сочини таради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шербек тоғ йўлига тушиб олганида, арра тишли Қашқатовнинг устида платдай эриб-балқиб, атрофида учкунлар сарратиқ, қуёш кўринди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТИШЛИК I Тишбоп; тишга лойиқ. Бир тишлик тилла.

2 Омочнинг тиш кийдириб қўйиладиган уч.

ТИШЛОН *диал.* Сўйлоқ тиш ва шундай тишли одам.

ТИШЛОНҒИЧ I Ёнига борганини тишлайверадиган, тишлаб оладиган. Тишлонғич *ит.* Тишлонғич *от.*

2 Кўчма Гап билан тишлаб оладиган; уришқоқ. Углингизнинг тишлонғичлигидан мақтанманг, тоға, энди

бунақа тишлонғич йигитларнинг даври ўтган! С. Абдулла, Ўлмасхон.

ТИШОВЛАМОҚ *диал.* Тиш чиқармоқ, тишламоқ. Аррани тишовламоқ.

ТИШСИЗ Тиши бўлмаган; тиши йўқ. Тишсиз оғиз. Тишсиз чол. Тишсиз мола. Тишсиз сихмола.

ТИШ-ТИРНОҚ: тиш-тирноғи билан ҳамма имкониятларни ишга солиб, бутун вужуди, бор кучи билан. Душман тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. — Ҳиндистоннинг қонини, молини сўрган инглиз Ҳиндистонга тиш-тирноғи билан ёпишди. Ойбек, Нур қидириб. Тиш-тирноғигача қуролланмоқ имконияти борича қуролланмоқ, ўзини қурол-аслаҳанинг барча турлари билан тўлиқ таъминламоқ.

ТИШ-ТИРНОҚЛИ I Уддабурон, эпчил, ҳаётий. Тиш-тирноқли одам.

2 Кўчма Аямайдиған, ўткир. Рецензия деган ана шундақ тиш-тирноқли, тишлаб оладиган бўлса. С. Абдуқаҳҳор, Саманай саккиз дема.

ТИШШ *айн. тисс.*

ТИШҚОЛИ *этно.* Тишни бузилиш, касалланишдан сақлаш мақсадида суртиладиган махсус қора бўёқ. Тишига тишқоли қўйган Ойсара чўтир овозини наслатиб, гапга зоб беради. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

ТИҚ *тақл. с.* Нарсаларнинг урилушиндан ҳосил бўладиган бўғирқок кучсиз товуш ҳақида. Қалам тиқ этиб полга туюди. Тиқ этса эшикка қарайман. — Мен.. хизмат қилиб турирман. Тиқ этган чойнак бежавоб қолмайди. — деди Шум бола. Ф. Ғулом, Шум бола. Тиқ этган товуш (ёки овоз) йўқ ҳеч қандай товуш ёки шарпа эшитилмайди; жимжит. Қўрғонда тиқ этган товуш йўқ. Ҳатто бешикдаги болалар ҳам тип-тинч. Ойбек, Қутлуғ қон. Эшиклар маҳкам тамбаланган, кўчаларда тиқ этган товуш эшитилмайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

◆ Тиқ этган хабар йўқ ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Бу хатдан кейин Марғилондан тиқ этган хабар бўлмади ва орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИҚИЛИНЧ I *от* Одам, машина ва ш. к. билан лиқ тўлган жой; одам, машина ва ш. к. қалашиб кетган, тирбанд ер. Тиқилинча уни йўқотиб қўйдим. — [Йўлчи] ҳисобсиз хотинлар ичида, тиқилинча бир қизга кўзи туюди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай жойда тиқилиб, тирбанд бўлиб қолган кишилар, машиналар ва ш. к.; оломон. Тиқилинччи ёриб ўтган элликбоши Ҳасан овчининг ёнидан чиқди ва секингина унинг енидан тортиб: Ассалому алайкум, — дейди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 сфт Одам, машина ва ш. к. тиқилиб кетган, бўш жой қолмаган, тирбанд. Тиқилинч бозор. || Автобус тиқилинч эмас, курсилар юшмоқ. А. Мухтор, Чинор. || Ота-бола тиқилинч самоварда ёнма-ён ўтириб, икки чойнак чой



ичиб, ҳордиқ чиқаришди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

3 сфт Ошиғич равишда бажарилиши лозим бўлган; шошилиш, зуд, зарур. **Тиқилиш** иш. || *Борадиан жойингизга кеч қоладиган бўлдингиз-да, меники жудаям тиқилинч эмас эди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. | Иш кўп бўлиб, вақт етишмай турган; долзарб, зик. — *Шукур бетоқат бўлиб, энсиз пешанасини тириштирди.* Шу тиқилинч пайтда Шукурнинг миясига бир фикр келиб қолди. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар. || *Умурзоқ ота . . . иш тиқилинч, вақт зик эканини фаҳмлаб, ошдан гап очмай қўя қолди.* Х. Фулом, Машъал.

◆ **Тиқилинч қилмоқ** зўр бериб қистамоқ, шоширмоқ, қийин-қистоққа олмақ, ҳол-жонига қўймай талаб қилмоқ.

**ТИҚИЛИШ 1** **тиқилмоқ** 1—3, 5, 6 фл. иш оти.

2 айн. **тиқилинч.**

**ТИҚИЛИШМОҚ** **тиқилмоқ** 1—3, 5 фл. бирг. н. Улар эски, лекин озодагина кўрпа ёпишган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин сухбатлашишарди. С. Зуннунова, Гулхан. Уларнинг ёнида тиқилишиб, юзларча қул баччалар бормоқда! Жўрабоев, Мулла Б. м.

**ТИҚИЛЛАМОҚ** айн. **тиқирламоқ.** Эшик тиқиллади.

**ТИҚИЛЛАТМОҚ** **тиқилламоқ** фл. орт. н. Эшикни тиқиллатмоқ.

**ТИҚИЛМОҚ 1** **тиқмоқ** фл. мажҳ. н. Шиша оғзига пробка тиқилган. Қонга ун тиқилди. — *Хуржуннинг бир кўзида туеун, бир кўзида ўраб тиқилган жун қоплар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гўрға тиқилгур очоқатлар, мол талашиб, сандиқни ҳам синдиришди.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

2 Тор ёки чуқур жойга кириб, тушиб сиқилиб ундан чиқолмай, ўтолмай қолмоқ. Ариққа тиқилмоқ. Тешикда тиқилиб қолмоқ. Емона ёндошган йиқилмай қолмас, охири бир чуқурга тиқилмай қолмас. Мақол. — [Аҳмад Ҳусайн] *Рови дарёсининг ҳамини машиналар, қўтослар, эшаклар, туялар тиқилиб қоладиган тор кўпригидан аранг ўтди-да, Акбар шоҳ мақбараси томон юри.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Сиқилишиб яшамоқ, турмоқ ёки ишламоқ. Улар илгари бир хонада тиқилиб яшар эдилар. | Бирор ерга бекиниб, яшириниб олмақ; суқилмоқ. У киши чоги бошпанасиз қолиб, илиқ жойни қидирган шўрликлар сингари бир бурчакка тиқилди. Ойбек, Қутлуг қон. Эшик олдида одамлар орасига тиқилиб, Бозорбой ҳам ўтирган экан. П. Турсун, Ўқитувчи. [Оташ чол] *ёски кир чопонни кийгач, айвонга чиқди, ўхў-ўхўлаб йўталганча, танчага тиқилди.* Ойбек, Улуғ йўл.

4 Жуда кўп миқдорда тўпланмоқ, тирбанд бўлмоқ. Магазанда китоб тиқилиб ётибди. Бозорда қовун тиқилиб

кетибди. — *Тўла тиқилиб ётган болалар ичидан кўзи билан қидириб, ўқитувчини топди.* М. Исмоилий, Бизнесинг роман.

5 Бошқаларнинг гапи, суҳбати ва ш. к.га аралашмоқ, суқилмоқ. *Бу ишга сен тиқилма.* — *Иккинчи навқар яқин келиб, бўйини чўзиб тиқилди: «Сиз кимсиз? Нега таслим бўламиз?»* — сўради у. Ойбек, Навоий.

6 Томоқдан ўтмай тўхтаб қолмоқ. Унинг томоғига нон тиқилибди. — *Сафаров.. муштининг қирраси билан унинг кекирдагига туширди.* Йўғон киши чалқанча йиқилди ва сўйилган товукдай тилириллаб, суюқ тиқилган итдай хириллаб бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Семёнова яқинда берилган янги пулемёт талқон еб тиқилган кишидай ғиж этмай турарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

◆ **Жони ҳалқумига тиқилди** (ёки келди) қ. жон 1. **Нафаси оғзига** (ёки) **бўғзига**, **ҳалқумига** **тиқилди** 1) нафас олиши қийинлашди, хансиради, ҳаллослади. *Йўқ, жоним, ёруққина айвон тузук мена, уйда нафасим тиқилиб кетади.* Ойбек, Улуғ йўл; 2) хаяжондан гапиролмай қолди, хаяжондан қийналиб гапирди. — *Кумқилишқоққа юборилган йигитлар қирилибди, — деди Бек нафаси бўғзига тиқилиб.* Х. Фулом, Машъал; 3) ховлиқди, шошди. *Мен нафасим оғзимга тиқилган ҳолда, уларга воқеани айтдим.* Ғ. Фулом, Шум бола. **Сўзи** (ёки **гапи**) **бўғзига** (ёки **томоғига**) **тиқилди** айтмоқчи бўлган гапини айттолмай қолди. *Қўзибой ўзини сувга чўкишдан қутқаргани учун Раҳимга миннатдорчилик билдириб қўйгиси ҳам келди-ю, аммо... «атака» эсига тушиб, ййлаган сўзи бўғзига тиқилиб қолди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Ўпкаси оғзига тиқилди** айн. **нафаси оғзига тиқилди.** *Секинроқ юрсанг-чи, ўпкам оғзимга тиқилиб кетяпти.*

**ТИҚИЛТИРМОҚ** **тиқилмоқ** фл. орт. н.

**ТИҚИН 1** Идишларнинг оғзига тиқиб қўйиладиган қопқоқ. Ўпкак тиқин. Шиша тиқин. Бутилканинг тиқини. — *Шукуржон бутун вужуди жимирлаб кетганини ҳис этиб, фляганинг тиқинини тортди, у бўйи эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ашуртой ака носқовоқнинг шокиладор чарм тиқинини ёпа туриб, салмоқлини гапирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 айн. **тиқилинч** 1, 2. *Йўл жуда тиқин ва серқатном.* — *Больницага борсангиз, ўзим элиб қўяман, юраверинг.* Трамвайда ҳозир одам тиқин бўлди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Мен тиқинда ҳаво етмагандай бўғилла бошлайман, деразага интиламан.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 сфт, кам қўлл. Ниқталаб тиқилган; тифиз, зич. *Йўлдош тиқин рюкзасини орқалди, Ойниса туеун кўтариб олди, бобо билан буви олдинга тушишди.* Х. Фулом, Тошкентликлар. | *Етилиб тўлишган; бўлиқ. Ҳар кў-*

чатда ўн-ўн икки ва ундан зиёд ғоз туҳумидай, ана очилай, мана очилай деб турган тиқин пахта. Ғ. Фулом.

**ТИҚИНЛАМОҚ** Оғзини тиқин билан бекитмоқ, оғзига тиқин тиқмоқ, тиқил билан қопқоқламоқ. *Бутилкаларни тиқинламоқ.*

**ТИҚИНЛАНМОҚ** **тиқинламоқ** фл. мажҳ. н. *Вино заводларида бутилкалар автоматик равишда тиқинланади.*

**ТИҚИНЛАТМОҚ** **тиқинламоқ** фл. орт. н.

**ТИҚИНЛИК 1** Тиқин учун яроқли ёки етарли. *Тиқинлик пробка.*

2 **тиқин** 2, 3 с. белги оти. *Залнини тиқинлигидан нафас олиб бўлмайди.*

**ТИҚИНЧОҚ** **тиқин** 1 с. кичр.-эркл. *Чол унинг қўлидан кўзачани олиб, оғзидаги тиқинчоқни очди.* С. Нуров, Оналар.

**ТИҚИРЛАМОҚ** «Тиқир-тиқир» овоз чиқармоқ. *Халл суриш билан тоне отардагина энди кўзим илинган экан, кўча эшик тиқирлаб қолди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**ТИҚИРЛАТМОҚ** **тиқирламоқ** фл. орт. н. *Эшикни кимдир тиқирлатди.* *Сичқон жавонни тиқирлатмоқда.*

— *Роҳила очик чехра билан бош сийтади ва баланд пошна туфлисини тиқирлатиб чиқиб кетди.* Ш. Тошматов, Тонглаги кўланка.

**ТИҚИР-ТИҚИР** тақл. с. Қаттиқ нарасага кучсизроқ уриш ёки урилиш натижасида ҳосил бўладиган қисқа-қисқа, кескин кучсиз овоз ҳақида. *Сичқон тиқир-тиқир қилиб ниманидир кемирмоқда.* — *Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шитирлаши, том тунукаларининг тиқир-тиқири ва борлиқни қамраб олган мулоим, аммо салобатли ёмғир шоғури эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ТИҚИШМОҚ** **тиқмоқ** фл. бирг. н. *Юзбоши [тиллани] еганича епти, ютолмай қолганидан кейин ўғриллар оғзига зўрлаб тиқилишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТИҚИШТИРИЛМОҚ** **тиқинштирмоқ** фл. мажҳ. н.

**ТИҚИШТИРИШМОҚ** **тиқинштирмоқ** фл. бирг. н. — *Бу ахир расвогарчилик-ку! — деди бир кун Музаффар Муҳамедов. — Бизга қандай пьесаларни тиқинштириятти.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТИҚИШТИРМОҚ 1** Кўп ёки катта нарсани талаб этилганидан кичик ёки тор идишга, жойга зўрлаб тиқмоқ; ниқталаб, зичлаб жойламоқ. *Қитобларни портфелга тиқинштирмоқ.* *Чўнтакка ҳар нарсани тиқинштирма.* — *Қоптоқ йўнашни жудаям яхши кўраман, ёзин-қийин чўнтагимда олиб юраман, — деди Зумрад қоптоқни қайтадан кичкина чўнтагига тиқинштириб.* Ойбек, Улуғ йўл. *Маҳкам ака унга кўз қисиб қўяди, бола кулиб, лунжисга нон тиқинштиради.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 кўчма с. т. Бирор жойга, ишга, ўқишга зўрма-зўраки тиқиб қўймоқ, жойлаштирмоқ, жойламоқ. *Ишга қариндошларини тиқиштирмоқ.* | Орага суқмоқ, аралаштирмоқ; қўшмоқ. *Мени бу ишга тиқиштирманг.* | Хаммасини бир кишига беравермоқ. *Топганини хотинига тиқиштиради.*

**ТИҚМАЧОҚ** 1 Ичига ниқтаб бирор нарса (мас. пахта) тиқылган қочча, халта.

2 айн. **тиқмачоқдай.** Усмонали ака унинг [Омонтойнинг] қуйиб қўйгандек тиқмачоқ гавдасига, .. икки қулгоғига етай деб турган мўйловига қаради. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**ТИҚМАЧОҚДАЙ,** «дек Етилиб тўлишган; бўлиқ, семиз, лўппи. Тиқмачоқдай билаларида илон бошли олтин билагузуклар ёнади. Ойбек, Кутлуғ қон. *Эшикни икки юзи қил-қизил, украинларга хос пучуқроқ, тиқмачоқдек бир жувон очди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ТИҚМОҚ** 1 Бир нарсани бошқасининг ичига, орасига ёки тагига киргизмоқ, суқмоқ, жойламоқ, солмоқ. *Пичоқни қиница тиқмоқ. Чамадонни каравот тагига тиқмоқ. Китобларни қўлтиққа тиқмоқ. Оёқни этikka тиқмоқ. Розеткага штепсель тиқмоқ.* ■ [Бола] соғуқдан қизарган бармоқларини оғзига тиқиб, пуфлаб Унсинга деди: *Йўлчи акам чақиряпти, йўлда.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Муҳиддин ака телпагининг орқасидан қўлини тиқиб, бошини қашлади.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Айвонларда оёқ учларини танчага зўр-базўр тиқиб, жимжит ўтирган хотинлар, албатта, атрофдан йиғилган камбағал-чамбағал хотинлар эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. [Отабек] улардан яширгандек [хатни] чўнтагига тиқди, иргиб ўрнидан туриб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шаҳодат муфти савағич қаламини довтга бир-икки тиқиб олган, кўзи қогозда экан, жавоб берди: Бўлсангиз ажаб эмас.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Бирор идишга имкони борича зичлаб, тигизлаб жойламоқ, ниқталамоқ. *Қопга сомон тиқмоқ.* ■ Катта қанор қопларга тиқиб солинган пахталар араваларда ўрлаб ётарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Нарса-ларнинг оғзини, тешигини бекитмоқ. *Бутилка оғзига пўкак тиқмоқ. Қулоққа пахта тиқиб олмоқ.*

2 Куч ёки зарб билан учли нарсани бошқа нарсага киргизмоқ, санчмоқ, суқмоқ. *Қизча бармоғига игна тиқиб олди.* | Уқталмоқ. *Ев бағрига ўти кўзини Ханжар қилиб тиқиб сўзлади.* Э. Раҳим. *Уларнинг [бойларнинг] ҳаммаси найзани-бигизни халққа тиқади.* Ойбек, Кутлуғ қон.

3 с. т. Бир амаллаб ёки зўрлаб киргизиб қўймоқ, жойламоқ. [Гулан-дом.] *Мени извоша ўтказиб, тўппа-тўғри номер деган жойга олиб келди, кичкина уй ичига тиқди.* Ойбек, Кутлуғ қон. [Дадангиз ўликни] мусофир-

ларга ўхшаб, чуқурга тиқиб қўяқолмади. *Бир қўй сўйиб маърака қилди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

4 кўчма с. т. Бирор ўқиш, иш ёки лавозимга зўрма-зўраки жойлаб, ўрнаштириб қўймоқ, тиқиштирмоқ. *Комиссия состави яна сени тиқибдилар-да.* ■ [Сухсуров:] *Мени бутун Ватан уруши даврида ўқитувчиликка тиқиб қўйишди.* А. Қаххор, Тобутдан товуш. | Бирорни бирор иш, гап ёки даврага қўшмоқ, аралаштирмоқ, тортмоқ. *Отабек саяраб Қумушга юз ўғирди: — Бу ўртага Зайнабни келтириб нимага тиқасиз, энди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

◆ **Икки оёғини бир этikka тиқмоқ** қ. оёқ. **Икки қўлини (ёки бармоғини) бурнига тиқиб** қ. бармоқ. **Терисига сомон тиқмоқ** қ. тери.

**ТИҚТИРМОҚ** **тиқмоқ** фл. орт. н. Қопларга сомон тиқтирмоқ.

**ТИҚ-ТИҚ** **тиқ с. тақр.** Ёнғоқли боғ эшигини [Олимжон] қақирди тиқ-тиқ уриб. *Барваста бўйли киши чиқди: «Ким?» деб ҳол сўриб.* Қ. Муҳаммадий.

**ТИҒ** [ф-т] 1 Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби соғуқ қуролларнинг умумий номи. *Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас.* Мақол. ■ [Игитнинг] кене юзи заҳил, кўзлари нурсиз, бурни яси, қулгои остидаги ямоғиди тиғ ўрни сезилиб турарди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Эрназар жаллод Шералини сийсат билан йиқитди ва пўлат тиғини қинидан тортди. «Эрали ва Шерали». Тиғи паррон қ. паррон. (Дами) тиғдан ўтказмоқ* ёппасига ўлдирмоқ, қирмоқ. *Подшо: Хеч ким менга шу сирни ошкора қилмаса, шаҳар халқини дами тиғдан ўтказиб, тупроқ билан баробар қиламан,— дебди.* «Эртақлар».

2 Кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва ш. к.нинг кескир қирраси, дами. *Болтанинг тиғи. Қиличнинг тиғи.* ■ **Ханжарнинг ўткир тиғин** Тилин чўзиб ўтмоқда. Ф. Ғулум. *Кетмон тиғини қайирадиган тош-метин эски пахсаларни қизлар неча қақирим ердан ташиб келиб, далага тўкишди.* Ойбек, О. в. шабадалар. [Комил:] *Тўй масаласини кечаёқ устаранинг тиғидек қилиб қўйганмиз, хотин.* О. Ёқубов, Чин муҳаббат. | Ништар, найза каби асбобларнинг ўткир учи, найзаси. **Тиғ текизмоқ (ёки урмоқ)** 1) бирор асбоб, қурол билан кесмоқ. *Тепа шохга асло тиғ тегица қўрманглар.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. | Турли қурол, машина, механизм ва ш. к.нинг кескич қисми, пичоғи. *Қосилкаларнинг ўткир тиғлари тинмай шитирлар, умри қирқилган бўлиқ ўтлар даста-даста бўлиб йиқиларди.* С. Анорбоев, Оқсўй.

3 с. т. Ствол, мил. *Қўш тиғ милтиқ.*  
4 кўчма **Иш-ҳаракат, фаолият, асар, мақола** ва ш. к.нинг қақшатиқч таъсир кўрсатувчи энг асосий томони, ништар. **Танқид тиғи.** ■ «Учига чиққан маъмуриятчи», деган сарлавҳа ости-

даги мақоланинг ўткир тиғи Ойқизга қаратилган. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мақтаб, анжуман борғил, унда фикр очиб соҳи Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.* Хамза. | *Жабр, зулм ва ш. к.нинг зарбаси. Жафо тиғи бу кун жондан ўтади.* «Алпомниш». *Хар ерда жабрнинг тиғини синдирмоқ зарур.* Ойбек, Навоий.

◆ **Тиғ кўтармоқ (ёки тортмоқ)** қурол билан хамла ёки хужум қилмоқ; исён кўтармоқ; уруш очмоқ; жанг қилмоқ. *Қандай фарзанд отасига тиг тортар.* «Рустам». *Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиғ кўтаришга тўғри келди.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Қўлга тиғ олмоқ айн.** **тиғ кўтармоқ.** *Урушни бошлаган мен эмас, сенсан, энди жазосини тортасан ўзинг.* *Қўлга тиғ олишга мажбур этган сен.* *Энди шу тиғ билан йўилар кўзинг.* Уйғун. **Қуёш (ёки кун, саратон) тиғи** 1) қуёш нур, шуъласи, ёғдуси. *Кун тиғида ёниб-ўчиб Қўринадди кетмонлар.* Т. Тўла; 2) қуёш ҳарорати. *Қунарнинг бирида, саратоннинг тиғида боғбоннинг этлари ўуғишди, томоғи қуришибди.* Е. Шукуров, Уч савол. **Қуёш (ёки кун, тонг) тиғ урди (ёки тортди, ёйди, ёрди)** қуёш чиқди, қуёш нур, шуъла таратди, ёғду сочди. *Кун тиғ уриб қолган эди.* *Урталик аллақачон ёришган.* Ф. Ғулум, Шум бола. *Кун тиғ тортди, дарёнинг у томонидаги адирларнинг сирни тўғ яшил, жилағалари қора тўсга кирди.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Шарк осмонининг тепасида тонг тиғ ура бошлаган бўлса ҳам, деворлар, дарехтлар ичига кўмилган шаҳар ҳали анча қоронғи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чошгоҳ маҳалида қуёш булутлар орасидан тиғ ёриб чиқди.* Р. Раҳмонов. Мехр кўзда.

**ТИҒА** [ф-т] 1 эск. айн. **зениг.** *Қуёшга келганда уйга қайтдик.* ■ **Қуёш тиғида,** **жазирама,** **чанг.** Ф. Ғулум. Шум бола.

2 с. т. **Қуёш ҳарорати; қуёш нурини** кўп ёғилиб, қиздириб турган жой. *Офтоб тиғасида ётмоқ.* *Кун тиғасида терлаб-пишиб ишламоқ.*

**ТИҒДОР** [ф-т] 1 Кесадиган, тиғли. *Бир газли тиғдор пичоғини қайраб турган қасоб дадаси етаклаб келтирган қўйнинг калласини шартта кесиб, ўғитини бошқа, суягини ботқа қилиб қўйган эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 кўчма **Ўткир, аччиқ. Тиғдор тил. Тиғдор гап.**

**ТИҒИЗ** 1 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; зич, қалин. **Тиғиз таърақтлар.** || **Залда одам тиғиз.** || **Тиғиз ўтқазилган кўчатлар.** ■ *Энди улар анча зич-тиғиз қаторлар билан илгариларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тутқин сасни тополмадим.* *Тиғиз ўрмонларда ҳам.* Шайхода. | **Тиққилинч, тирбанд.** *Онаҳон тиғиз майдонни ора-лаб ўтиб, минбар томоғида қайрилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Вақт оз қолган, етишмайдиған; зиқ.— Вақт тиғиз. Хали билет ҳам олганим йўқ,— деди Маҳмуд. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. | Ҳар они ғанимат, долзарб. Қузакдаги баракали хирмон шу тиғиз кунлардаги шининг унуми ва сифатига боғлиқ. — Далада шининг тиғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Оз вақт ичида бажарилиши лсзим бўлган; шошилиш, ошиғич, қисталанг. Иқбол сатанг энсаси қотибми, ё чиндан ҳам иш тиғизми.. ҳовли юзидаёқ кетадиган бўлиб отланди. Р. Файзий, Ҳазратни инсон.

**ТИФИЗЛАМОҚ** 1 Орасини яқинлаштириб зичламоқ, қалинлаштирмоқ. Экинни тиғизламоқ.

2 Ниқталаб, зичлаб, босиб тўлдирмоқ; тиқиштириб жойлаштирмоқ. Қопларни тиғизламоқ.

3 кам қўлл. Ишни тезроқ бажариш учун ундамоқ, қистамоқ, шошилтирмоқ.

**ТИФИЗЛАНМОҚ** тиғизламоқ *фл. мажҳ. н.* Йўлга солинган шағал яхши тиғизланди.

**ТИФИЗЛАТМОҚ** тиғизламоқ *фл. орт. н.*

**ТИФИЗЛАШМОҚ** 1 тиғизламоқ *фл. бирг. н.* Бетонни вибратор воситасида тиғизлашмоқда.

2 тиғизламоқ *фл. ўзл. н.* Ишлар тиғизлашди. Тупроқ яхши тиғизлашди.

**ТИФИЗЛИК** тиғиз с. белги оти. Экиннинг тиғизлиги. Аҳолининг тиғизлиги. Вақт тиғизлик қилди. Иш тиғизлигидан театрга боролмадим. — [Нурли Йўлчиға:] Хали шошманг, деганимга кўнасиз, ахир,— деди-да, вақтнинг тиғизлигидан хавфланиб, деразани оҳиста ёпди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТИҒЛАМОҚ** *кт.* Тиғ урмоқ, кесмоқ.

◆ Бағрини (ёки кўксини, юрагини) тиғламоқ руҳий ёки маънавий азоб бериб, эзиб юрагини доғламоқ, ярламоқ. Бу йўлар кичик Умидни азоблар, бағрини тиғларди. Мирмуҳсин, Умид. Ғам ханжари билан кўксин тиғлади. Ғайратий. Сени дея кўп йиғладим, Юракларимни тиғладим. «Нигор ва Замон».

**ТИҒЛАНМОҚ** тиғламоқ *фл. мажҳ. н.* Йўқ, йўқ энди нозик кўксини тиғланмас, Чунки, яшаш қонунилари ўзарди. Ғайратий.

**ТИҒЛИ** 1 Кесувчи ёки найзали асбоб билан қуролланган, тиғи бор. Тиғли киши. Тиғли машина. | Кесгир қирраси, найзаси, дами бўлган. Икки тиғли ханжар. — Олдинда — қўлларида биттадан калтачка, белларида ингичка тиғли дуоама пичоқлар осилган икки киши юрмоқда эди. Булар жаллод эдилар. Айний, Куллар.

2 кўчма айн. **тиғдор** 2. Тиғли тил. Тиғли гап.

**ТО** [ф-т] 1 олд кўм. Урин, пайт ёки предмет англатувчи сўзлар орасида келиб, иш-ҳаракатнинг биринчисидан

иккинчисига давом этганлигини ёки тарқалганлигини билдирадиган ёрдамчи сўз. Тонг отгандан то кун ботгунча ишладим. Тошкентдан то Москвагача ухламадим. — Кўзойнакни тақиб, эрталабдан то шомгача, баъзи вақт кечалари ҳам ўқиди. Ойбек, Қутлуғ қон. Буларнинг [одамларнинг] бу дунёга келган кунидан бошлаб то ўлиб кетгунча, яёна орзуси, у ҳам бўлса, кунда бир марта яхшилаб қорин тўйдирши эди. П. Турсун, Ўқитувчи. То абад қ. абад.

2 бирт. боғл. Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапда ифодаланган иш-ҳаракатдан олдин содир бўлганлигини билдиради. *Латофат то ишдан келгунча, онанинг кўзлари тўрт бўлиб кетади.* Шухрат, Шинелли йиллар.— Улар шундай одамларки, бир мақсадни олдиларига қўйсалар то рўёбга чиқармагунча қўймайдилар,— деди Элмурад. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТОАТ** [а] 1 *дин.* Худога сифиниш, ибодат. Бир соат тафаккур бир йиллик тоатдан афзал. Ойбек, Навоий. Қилгум тоат тонг қадар, Шоҳид кўк юлдузлари. Ҳамза.

2 Бўйсунуш, итоат.

**ТОАТ-ИБОДАТ** [а] 1 *дин.* Узлуксиз тоат ва ибодат; тоат ва ибодатлар. Кўчма маҳалласидаги «қулбайи вайронаси» да тоат-ибодатга муқкасидан кетган эмиш. Ҳ. Гулом, Машъал.

2 кўчма с. т. Кишининг бирор мақсад билан қилган бутун ҳаракати, уринишлари. Ой! Шу дорини топмасам, бутун қилган тоат-ибодатларим бекорга қуйиб кетади! С. Анорбоев, Оқсой.

**ТОБ** 1 [ф-т] 1 Киши организмнинг норма ҳолати; соғлиқ. *Тобим қочиб (айниб) турибди. Бир ойдан бери тобим йўқ.* — Нима, тобингиз йўқми? Кўзларингиз ичига кириб кетибди. Мирмуҳсин, Умид.— Ота, тобингиз жойидами? — деб сўради йигит, ташвишланиб. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Етилганлик даражаси ёки пайти. *Ернинг тобини яхши биладиган одам.*

— Агар шу тобдан ўтиб кетса, экин ўсшдан тўхтайдди, ўсшдан тўхтаган экинни қайтадан йўлга қўйиб юбориш оғир бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. **Тобида** 1) айни етилган пайтида. *Ерни тобида хайдамоқ;* 2) кесим вази-фасида жулда ҳам жойида, оби-тобида.— Чой совиб қолмабдими? — Йўқ, тобида. **Тобига келмоқ** 1) етилмоқ, етилиб ишловга тайёр бўлмоқ. *Ернинг бети серсув, тобига келиши билан чигит экишга киришувимиз керак.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва; 2) етилиб, оби-тобига келиб пийшмоқ. *Балиқ шўрва келди тобига чоғи, Да-стурхона чўкди овчилар шу чоғ.* М. Икром; 3) кўчма тажриба орттириб чиниқмоқ, пийшмоқ. *Улар ҳам мудоффа отишмаларида анча тобига келиб қолди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Майли, сен вавақлаб туравер, тобига кел-*

*ганлар сайрасин.* И. Рахим, Ҳилола. **Тобидан ўтмоқ** етилиб ўтиб кетмоқ. *Тобидан ўтган қовун. Ер тобидан ўтиб кетибди.*

3 Хошиш; рағбат. *Ишга тобинга борми, жиян?* Ойбек, Қутлуғ қон. *Баззоз почнанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

4 Чидам, бардош, тоқат. *Тоб бермоқ.* *Отанга берма азоб, Азобга қолмаган тоб.* Ҳ. Олимжон. *Низомиддинов унинг ўтли қарашига тоб беролмай, аста-аста юриб, дарвозадан чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

◆ **Тоб ташламоқ** 1) айниб қипгир-қийшиқ, эгри-бугри бўлиб қолмоқ (асосан хўл ёсч, эшик, ром ва ш. к. ҳақида). *Эшик тоб ташлабди.* — *Дангаса меҳнат учун бермайди тоб.* *Офтобда хўл ёғоч ташлайди тоб.* Ҳабибий; 2) кўчма айниб, лоқай, суст бўлиб қолмоқ.— *Қизим Қизлархон, кўриб турибсиз, «този терир» ҳам, теримчиси ҳам сиз билан тирик. Сиз кетиб қолсангиз иккаласи ҳам тоб ташлаб қолса деб қўрқаман.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ТОБ** II Пайт, фурсат, он. *Булутларнинг тўшига офтоб Найза санчди, қонга қилди ғарқ.* *Алангада қолгандай шу тоб Нур аксидан яллиғланди Шарқ.* Ё. Мирза. *Қани шу тобда Салим ака бўлса-ю, севгани ва эллик йиллик қадрдони Холжонни бир кўрса!* Ғайратий, Довдираш.

**ТОБАҚАЙ** *кт.* Тоқай, қачонгача. *Ўлдирур ҳижронларингиз тобақай,* Борму охир ҳеч асло меҳрингиз. Муқимий.

**ТОБГИР** [ф-т] Улоқчи, пойгачи отни тобга келтирувчи ва отнинг тобга келганлик даражасини аниқловчи мутахассис.

**ТОБЕ** [а тобев, 3-ш. бирл. тобей] Ҳоким қўл остидаги, унга бўйсундирилган, қарам. *Қапитал мамлакатларида тобе (бўлган) мустамлакалар.* *Қилич бўйнига солиб, Шакарбекка тобе бўлди.* «Ширин билан Шакар». | Тутган ўрни, мавқеи ва ш. к. жиқатидан қарам бўлган, бўйсунган, қарашли, қарамоғидаги. *Министрликка тобе (бўлган) заводлар.* — *Минбоши бошлиқ олдида ўзини йўқотиб қўйган тобедай заиф товуш билан:* — «Тешган маъқул бўлармикин» — ..деб сўраган эди, Тешабой жеркиб ташлади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Қомилнинг зийрак зеҳнида чақнаб қоладиган ақл учқунлари.. уни ҳайратда қолдиради, натижада шу ёш йигит уни ўз иродасига тобе қилиб қўяр эди.* Ҳ. Гулом, Машъал. | Бўйсунган, шарт-шаронт ёки муҳит жиқатидан маълум мазмун ёки шаклга эга бўлган. *Бу оилада ейиш-ичиш белгилари тартиб ҳам режага тобевсада, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОБЕЛИК** тобе с. маъ. от. *Иқтисодий тобелик.* *Эргаш гапнинг бош гапга тобелиги.*

**ТОБЛАМОҚ I** I Тафтида, алангасида иситмоқ, қиздирмоқ. *Чўпон ота .. пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади.* Ойдин, Фарҳодлар. *Иккала дўст баъзан Булоғариққа қармоқ ташлаб, балиқ тутушади.* Улар оналаридан биттадан нина сўраб олиб, чўда тоблаб ўзларича қармоқ ясаб олишган. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**2 махс.** Пўлатнинг қаттиқлигини ошириш учун уни қиздириб тез совутмоқ, суғормоқ, сув бермоқ. *Корчагиндек чиниқтирди, Пўлат каби тоблади.* Нурдай сахий Кундай иссиқ Осмондай кенг қучоғинг. Т. Тўла.

**3 кўчма** Чиниқтирмоқ, чиниқтириб етиштирмоқ. — *Шу чоққача мутахассис кадрларни шахардан кутиб турар эдик.. Бундай кадрларни ўзимизда тобласак бўлмасмиди,— деди раис.* И. Раҳим, Хилола.

**ТОБЛАМОҚ II** Пишитмоқ, эшмоқ, чийрамоқ. *Ипни тобламоқ.* | Чиройли кўркем қилиб ўрмоқ (соч ҳақида). *Тоблаб зулфин ўрган борми? Ерман суҳбат қурган борми? Ёки бирга юрган борми?* «Равшан».

**ТОБЛАНМОҚ I** тобламоқ I *фл. мажх. н.* Пўлат ўтда, одам меҳнатда тобланади. Мақол. — *Бригада аъзоси Субхон Дўстов Совет Армияси сафида таълим олиб, тобланган йигит.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Саратон тафтиш одам этини пиширади, ҳечқиси йўқ, бир оз тобланасиз.* Й. Шамшаров, Енгитиш.

**ТОБЛАНМОҚ II** тобламоқ II *фл. мажх. н.* Тобланган ип.

**ТОБЛАТМОҚ I** тобламоқ I *фл. орт. н.* Ханжарни тобламоқ.

**ТОБЛАТМОҚ II** тобламоқ II *фл. орт. н.* Арқон тобламоқ.

**ТОБЛАШ I** I тобламоқ I *фл. иш оти.* Меҳнатда тоблаш. Кадрларни ғоявий жиҳатдан тоблаш.

**2 махс.** Пўлатнинг қаттиқлигини ошириш учун қиздириб тез совутиш усули, суғориш. *Пўлатни сувда совутиб тоблаш. Тоблаш температураси. Тоблаш печи.*

**ТОБЛАШ II** тобламоқ II *фл. иш оти.* Ипакни тоблаш.

**ТОБЛАШМОҚ I** тобламоқ I *бирг. н.*

**ТОБЛАШМОҚ II** тобламоқ II *фл. бирг. н.*

**ТОБОН [ф-т]** (биринчи о — чўзиқ) *кт.* Ерқин нури, порлоқ. *Ул кун, жонон, юзни тобон айладинг, Абр ичинда ойни пинҳон айладинг.* Муқимий. *Моҳи тобон қ. моҳ.*

**ТОБОРА** *рви* Вақт ўтган сари, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса давом этган сари, борган сари, бора-бора; аста-секин. *Шаҳримиз тобора ободонлашмоқда. Қиш кириб кунлар тобора қисқаради. Нархлар тобора пасаймоқда.* — *Чирчиқ тоғларидаги қорлар эриб, дарё суви тобора кўпая борди.* Х. Ғулум, Машғал. *Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб,*

*кўнгли тобора совий бошлади.* Х. Ғулум, Машғал.

**ТОБ-ТОҚАТ**, тобу тоқат Сабр-тоқат, чидам, бардош. *Кутушига сира тоб-тоқат қолмади.* — *Шомағдиевнинг қилиғи маълум: жаҳли чиқиб бир саннаб кетса, унинг чакагини босиб асов туяни чўктиришдек машаққат.* Айниқса тўғри танқидга тоб-тоқати йўқ. А. Муҳиддин. *Ҳада. Отаси қул, онаси чўри бўлиб ўтгани етар, .. боламизнинг қул бўлишига тоб-тоқатим йўқ!* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ТОБУЛГИ** Раъногуллиларга мансуб, тоғли ерларда учрайдиган бута ўсимлиги.

**ТОБУТ [а]** Дафн маросимида ўликни солиб мазорга елкама-елка кўтариб бориладиган тўрт дастали мослама. *Уликни тобутга солмоқ.* — *Жасад ювилиб, кафанлангандан кейин, пешинга яқин тобутни кўчага олиб чиқдилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

◆ **Тобутим** кўрсин ўлганимда кўрай, асло кўрмай. *Мен бошқани севмайман.. Тобутим кўрсин ўша Бозоровни!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тахтдан тобутга тортмоқ* тахдан туширмоқ, ағдармоқ.

**ТОБУТКАШ [а+ф-т]** I Бирга тобут кўтарувчиларнинг ҳар бири.

**2 кўчма** Яхши-ёмон кунларда бир-бирига ҳамдамлашувчи бир ерли кишилар. *Йўқ, қизим, ўйлаб гапиринг. Ман, қари одам, беш кунлигим борми, йўқми, бошқа шахарда мусофир бўлиб юраманми? Ахир менинг тобуткашларим бунда.* Мирмуҳсин, Умид.

**ТОБУТСОЗ [а+ф-т]** Тобут ясовчи уста; тобутчи.

**ТОБУТХОНА [а+ф-т]** Масжид хузуридеги тобут сақланадиган жой. *Мактабхона ва тобутхона деб аталадиган бир-бирига ўхшаш бу икки хунук бино ва бу ердан эшитилаётган шовқин Элмуроднинг вужудига кўп ёқимсиз таъсир қолдирар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТОБУТЧИ** *айн.* тобутсоз.

**ТОВА [ф-т]** Қовурма овқат пишириш учун хизмат қиладиган, гир атрофи қайрилган ясси металл идиш. *Чўян печка устидаги катлагина товада қовурдоқ вижиллаб пишар эди.* Х. Ғулум, Тошкентликлар. *Қумликлар билан ўралган Ҳева шаҳри олов устидаги товадай қизий бошлади.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ТОВАР I эк.** Айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулоти. *Капиталнинг товарга айланиши. Товар обороти. Товар хўжалиги айирбошлаш, сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик.* || **Товар** маҳсулот айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. **Товар** ғалла айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган ғалла.

**2** Савдо-сотиқдаги ҳар қандай мол. *Тақчил товарлар. Камёб товарлар. Товар станцияси т. й.* юк вагонлари келиб-кетадиган темир йўл станцияси.

**ТОВАРДОРЛИК эк.** Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг товар сифатида айирбошланадиган, сотиладиган қисми билан хўжаликнинг ўзида истеъмол қилинадиган қисми ўртасидаги нисбат; ўз эҳтиёждан орттириб, айирбошлаш, сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти. *Саноатнинг товардорлиги. Қишлоқ хўжалигининг товардорлиги.*

**ТОВАРШУНОС** Товаршунослик бўйича мутахассис.

**ТОВАРШУНОСЛИК** Савдо молларининг навлари, хусусиятлари, сифатлари ҳақидаги билимлар мажмуи ва уларни эғаллаган кишининг касби.

**ТОВВА I с. т.** Тавба; пушаймон. *Товва қилмоқ.*

**ТОВВА II** Ошиқнинг олчига қарама-қарши силлиқ томони.

◆ **Ошиғи товва** иши юришмаган, иши пачава. *Нега менинг ошиғим товва-ю, уники олчи? Унинг мenden нимаси ортиқ?* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТОВЛАМАЧИ** Кишиларни товлаб, лақиллатиб кун кўрувчи; фирибгар. [Сидиқ:] *Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ТОВЛАМАЧИЛИК** товламачи с. *мавх. от.* Товламачилик қилмоқ. *Товламачилик билан кун кўрмоқ.*

**ТОВЛАМОҚ I** с. т. *айн.* тобламоқ I. *Кўлини ўтга товламоқ.* — *Қишлоқ халқининг кўпчилиги далада эди. Гузарда ўн беш-ийгирма чоғли — ўзини офтобга товлаб ётган шиёқмасларгина бор эди.* Х. Шамс, Душман.

◆ **Меҳр товламоқ** меҳр кўя бошламоқ; меҳр уйғотмоқ. *Василахоннинг қоп-қора чарос кўзлари, камон қошлари Ҳадича холанинг меҳрини товлаб юборди.* Т. Алимов, Совга.

**ТОВЛАМОҚ II** с. т. *айн.* тобламоқ II. *Арқон товламоқ.* — *Очилдов шаштидан қайтгандай мўйловини товлаб, миёғида қулди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

◆ **Бўйин товламоқ қ.** бўйин I. **ТОВЛАМОҚ III** *айн.* товланмоқ IV. *Жувоннинг тилла тишлари Хўжабековнинг кўз нурини олгудек бўлиб ялтиради, қирмизи товлаб турган оптоқ бетларидаги кулчилари бирам эжозибаликки.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТОВЛАМОҚ IV** Алдаб, лақиллатиб бирор нарсасини ёки пулини олмоқ, юлмоқ, анойи қилмоқ, фириб бермоқ. *Лақмаларни товламоқ.* — *Сен меҳнат қилмас экансан, демак бошқалар ҳисобига яшайсан, жамиятнинг товлалсан.* «Қ. Ўзбекистон», 1964, 7 март.

**ТОВЛАНМОҚ I** товламоқ I *фл. мажх. н.*

**ТОВЛАНМОҚ II** товламоқ II *фл. мажх. н.*

**ТОВЛАНМОҚ III** товламоқ IV *фл. мажх. н.*

**ТОВЛАНМОҚ IV I** Ранг-баранг тусланмоқ, жилваланмоқ. *Оқ сарғиш дур ва марваридлар пориллайди, ёқутлар,*

завафлар, ранг-баранг ёнади. Ҳамма-си бир-биридан ёғзал товланади, ёнади. Ойбек, Кутлуг қон. | Бир хил ёки ранг-баранг тусда ярқираб кўринмоқ, порламоқ. Дарёларнинг сирин очан Сирбарё қизи, Товланади кўкрагида ёлтин юлдузи. А. Пўлат. Қор қалингина ёққан, фонарь шўғласида куча оқ дўхобадая товланади. Ҳ. Ғулум, Машғал. Хомтоқ қилинган ишқомда ҳусайни узумлар олтиндек товланмоқда. И. Раҳим, Ихлод. | Қип-қизариб ёки бошқа бирор тусга кириб яққол кўринмоқ, кўзга ташланмоқ. Онахоннинг кўзи дам секин, дам ҳаяжонланиб ҳикоя қилаётган Назокатнинг чироқ нурида товланган юзига тушди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Отабек, азбаройи бўғилиб кетганидан, кўкимтир товланган, қутидор безақлардек титрай бошлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ўзини кўз-кўз қилмоқ, жилва қилмоқ. Қурилишга қаҳрамон бўлиб келдингиз, товушдай патларинени ёзиб, товландингиз-да, кейин қочвордингиз. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. | Акс этмоқ, аксланмоқ. «Саксон» ота кеккайиб, олифтанома ўтирар эди, унинг узун чиройли соқолида, янги, Фарғонача одми шойи чопонида ўп шўғласи товлар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Нозик тон-оҳанглр билан ўзгармоқ.— Қампир билан етти бола, ўн олти неварани катта қилганмиз, биронтасини чертаган эмасмиз, ўғлим,— деди товуши товланиб чол. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Кўчма Турли тусга кирмоқ, ўзгармоқ. Ҳали бу қурт бир тери ичида нечи товланиб, нечи ўзгаради. Айтинг, айтинг, охири бохайр бўлсин. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Ҳамелеон сингари минг товланди ёв, Ҳар қишлоқ ўлкада бўлди буеун гов. Ғ. Ғулум.

◆ Мехри товланди мехр қўя бошлади; мехри уйғонди. [Гулноз] уни [Ойнисани] кўрди, бағрида эркаланди, мехри товланди. Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар.

**ТОВЛАНТИРМОҚ** товланмоқ IV фл. орт. н. Икки ўйинчи қиз, «қичиқ атлас» қўйлақларини машғаллар шўғласида товлантириб, кенг даврада рақсга тушди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТОВМИР** диал. айн. томир 1, 8, 9.

**ТОВОН** I Оёқ кафтининг орқа қисми. Товоним оғриятти. — Роҳиланинг товонига тикан санчилгандек бўлди, кўзлари чақнади, фабрикага етиб қолганда таққа тўхтади. А. Мухиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 Оёқ кийимининг шу жойга тўғри келадиган қисми. Товони тешик махси. Товони қора пайпоқ.

**ТОВОН** II [ф-т] Келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ёки олиннадиган ҳақ. Товон олмақ. Товон тўламоқ. Товонига қолмоқ етказилган зарар учун тўловдор, товондор бўлиб қолмоқ. Велосипедга эҳтиёт бўл, бузиб қўйсанг, товонига қоласан.

◆ Ишқилиб, янгаминга юраги яхшими? Яна товонларига қолиб ўтирмайлик. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

◆ **ТИРИК ТОВОН** ўлик-тиригини кимсанинг устига ортиб олган киши. Қўйнаб қўйман деб ўйламаган эдим. Мен сизга тирик товон бўлдим Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**ТОВОНБАЛИҚ** Чучук сувларда яшайдиган балиқларнинг бир тури.

**ТОВОНДОР** [ф-т] Етказилган зарар учун товон тўловчи; тўловдор. Товондор бўлмоқ. Товондордан товон ундирмоқ.

**ТОВОР** Фабрикада тўқилган, таги билан гулининг ранги бир хил ип ёки ипак газлама.

**ТОВОҚ** I Сопол коса. Қомил товоқларда қаймоқ ликоларда узум кўтариб кирди. Ҳ. Ғулум, Машғал.— Буви юзини сузиб турган сутли товоқни ерга қўйиб, нима деясан? — дегандай Муродега қарадилар. А. Мураҳмедов, Қулган чечаклар. | Умуман коса. Чинни товоқ. Чора товоқ. Норин товоқ норин сузиладиган катта коса ёки товоқ. — Отабек шошиб тоқчадан хитойи норин товоқни олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 диал. Лаган. [Ваҳоб].. бир товоқ хушбўй паловни келтириб олдимишга қўйди. М. Мухамедов, Кахрамон изидан. Чарх товоқ катта гулдор сопол лаган.

3 с. т. Пластинка (патефон, радиолла пластинкаси). Эрталаб ҳосилотнинг хотини патефон товоғини сўраб чиқибди. С. Аҳмад, Кадрор далалар.

◆ **Тўққиз товоқ** диал. тўққиз-тўққиз.

**ТОВОҚДАЙ**, «дек Тovoқ каби катта ва ялпоқ. Мажлисда.. Чинор ҳам бетини товоқдай қилиб, йигитларга кўзини сузиб ўтиради. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ТОВОҚДОШ** кам қўлл. айн. ҳам-товоқ.— Биз.— деди отам,— ишининг боришидан оқибати нима бўлишини сездик, агар товоқдошларимизга қарасак, ўшанча турли-туман лаззатли таомлар олдидан оч қорин билан шаҳарга қайтишимизни билдик. Айний, Эсдаликлар.

**ТОВОҚ-ҚОШИҚ** Овқат сузиладиган ва ейиладиган идиш-оёқ. Тovoқ-қошиқни ювмоқ. — Олдин айтчи,— товоқ-қошигини бир четга суриб деди кампир,— нимага шошасан? Ойбек, Қуллуг қон.

**ТОВСАҒИЗ** Тоғли районларда бўладиган каучукли кўп йиллик ўсимлик.

**ТОВСИЛАНМОҚ** айн. товсилмоқ. Қоронғи тушиб Юнусжонни кўргани келган одамларнинг оёғи товсиланди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ТОВСИЛМОҚ** Сийрақлашиб, камайиб қолмоқ, тортилмоқ. Сув анча товсилди қолди. — Умматали кўчага чиққанда тун соат ўн бир бўлиб қолган, одамлар ҳаракати анча товсилган эди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. | Бо-

силмоқ. Терим сурони товсилдиб, сал нафасни ростлаганларидан кейин. Қодиржон: «Энди хотиним билан маслаҳатлашишга фурсат етди», деб билди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ТОВУС** [а] Қирғовуллар оиласига мансуб, ранг-баранг патли, эркаклариди думи елпигич шакли чиройли қуш. Мода товус. — Товус каби айлаб хиромон, Рақсга тушди бир ёғзал жонон. Э. Воҳидов.

**ТОВУТ** с. т. Тобут.

**ТОВУТҚАШ** с. т. Тобутқаш.

**ТОВУШ** I Гапириш, куйлаш, қичқирриш, йиғлаш ва ш. к. вақтида юзага келадиган ва эшитиш органлари қабул қилиб оладиган овоз; садо, сас. Мунгли товуш. Йиги товуши. Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади. Мақол. — Қорайган том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш билан чирқиллашади. Мачит томонидан сўнқ азон товуши эшитилди. II. Турсун, Ўқитувчи. Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнунга Зайнаб эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.— Тўхта! — Мингбоши даҳшатли товуш билан қичқирди. М. Исмоний, Фарғона т. о.— Қани, ҳо, йигитлар! Ишга! Ишга, азаматлар! — деган товуш эшитилди. А. Қаххор, Қўшчинор.— Олимхон ака,— деди ялинган товуш билан Тантис,— Салим ўз дадаси билан ҳазиллашмоқчи. Ойбек, Кутлуг қон. Товуш бермоқ товуш чиқариб ўзини, борлигини билдирмоқ. Мен бошда индалмай биқиниб турдим, кейин товуш бердим. Ойдин, Дундиқдан ҳам ёш экан. Товуш чиқармоқ I) овозини эшиттириб гапирмоқ (ўқимоқ ва ш. к.). Хатни товуш чиқариб ўқимоқ. — Чол ўтирган ерида товуш чиқарди: — Уртоқ Нурматовнинг ўзлари айтсинлар! А. Қаххор, Мунофиқ; 2) индамоқ, бирор нарса демоқ, гапирмоқ. Саид Жалолхон товуш чиқармай, унинг ёнига бориб ўтирди. А. Қаххор, Башорат. Товушингни ўчир жим бўл.— Жим! — муштинни кўтарди Ёрмат.— Товушингни ўчир, худо ҳаммага ақл улашганда сен қай гўрда эдинг! Ойбек, Қуллуг қон. Товушинг ўчгур қарғ. ўлгур. Хотин йиғлагудай бўлиб, ташқарида чиқди, яна кирди, яна чиқди... Қани энди, бу «товушинг ўчгур» бола юпанса! А. Қаххор, Хи-хи. Бор товуш(и) билан ёки товуши борича, товушини баралла қўйиб овози борича, энг қаттиқ, баланд овози билан. Бор товуши билан қичқирмоқ. — Мутал товушини баралла қўйиб сўзлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Маълум сифатларга эга бўлган овоз. Баланд товуш. Муסיқий товуш. — Одамлар жонланди. Баъзилари чиндан, баъзилари эса ҳазил-мутойиба билан Охуннинг товушини мақташди. Ойбек, Қуллуг қон.

2 Механик тебранишлар натижа-сида юзага келадиган ва қулоқ эшитиладиган ҳар қандай овоз, садо. Оёқ

товуши. Тасир-тусир ўқ товуши. Гудок товуши.

3 Шовқин; шовқин-сурон. [Мулла-дўст:] Эшитяписизми? [Қози:] Ха, жуда хайронман, нима товушлар? Бошим қотди, ақлим йўқ! Ҳамза, Майсаранинг иши. [Мамат Холисхона:] Товуш қилма, ўласан! Мана шу чуқур.. сенинг учун қазилди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

4 физ. Ҳаво ёки бошқа бир мухит зарраларининг тўлқинсимон тебранма ҳаракатлари. Кулоқ эшитмайдиган товушлар. Товуш тезлиги. Товуш назарияси.

5 лнғв. Талаффузда сўзнинг энг содда элементи. Унли товушлар. Ундош товушлар. Сирғалувчи товушлар.

6 кўчма кам қўлл. Сайловларда ёки бирор масалани ҳал этишда ўз фикрини билдириш ҳуқуқи ва усули; овоз. Мулла Обид бир товушдан, аммо Усмон палов икки қариши билан қолхоз идорасига сайланиб ўтадилар. А. Қодриий, Обид кетмон.

**ТОВУШЛИ** 1 Товушга эга бўлган. Майин товушли хонанда. ■ Бу ерда у машҳур Иван Самариндан — юзини қизғиш тук босган, ингичка товушли кўрмисизина жангичдан — душман автоматини ўрганди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 физ. Товуш ҳосил қилувчи, товуш ўтказадиган. Товушли тўлқинлар. Товушли тебранмалар.

3 кам қўлл. айн. овозли. Товушли кино.

**ТОВУШСИЗ** 1 Товуш чиқармайдиган, индамас. || Товушсиз ғилдирамоқ. ■ Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб Йўлчи товушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 физ. Товуш ҳосил қилмайдиган. Товушсиз тўлқинлар.

3 кам қўлл. айн. овозсиз. Товушсиз кино.

**ТОВУШҚОН** диал. Қуён. Оқ товушқон. ■ [У] ўзи учун уя ясаша киришган товушқондай қумни тирнайбошлади. Айний, Қуллар.

**ТОВУҚ** 1 Гўшти, пати ва тухуми учун соқилладиган урғочи уй паррандаси. Бертухум товуқ. Курк товуқ. Товуқ катаги. Товуқнинг тушига дон кирази. Мақол. Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак тирикчилик учун кишига ҳамма нарса керак, деган маънодаги мақол. Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар ўзининг ёки яқинларининг айбини гапириб юрадиган одам ҳақида айтиладиган мақол. Думи юлинган товуқдай қ. дум 1. Оёғи куйган товуқдай қ. оёқ 1. | Шу парранданинг гўшти (овқат, массалиқ сифатида). Қовурилган товуқ. Товуқни есанг, бир есан, тухумини есанг, минг ейсан. Мақол.

2 Баъзи қушларнинг модаси, макнён. Қирғовуянинг товуғи.

3 диал. Гунда хўроз қичқариши би-

лан белгиланадиган вақт. Бир товуқ ўтганда ётдик.

4 Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи. Унинг йили товуқ. Товуқ йили мучал йил ҳисобида ўнинчи йил (қ. мучал).

**ТОВУҚБОҚАР** Товуқларга қаровчи, уларни парваришловчи киши. Паррандачилик фермасининг товуқбоқарлари.

**ТОВУҚХОНА** Товуқлар турадиган каталак ёки махсус бино. Қолхоз товуқхоналари.

**ТОВУҚЧИЛИК** Товуқ боқиш ва унинг махсулотларини етиштириш иши. Товуқчиликни ривожлантирмоқ. Товуқчилик фермалари.

**ТОВЧА** с. т. Токча. — Қачон келсангиз, пулингиз мана бу товчадаги халтада туради, — дебди қози. «Эртаклар».

**ТОЖ** [ф-т] 1 Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбахо тошлар қадалган зийнатли бош кийими. Шоҳларнинг бошида тилладан тожи, Неча шаҳарлардан олади божи. «Фольклор». Емирилди кўнча дунё, янги жаҳон тугилди, Тахт синди, тож тўкилди, дориланом тўғилди. С. Абдулла. Соҳиб тож тож эгаси, тахт эгаси, тождор, ҳокими мутлақ. Тожи давлат давлат тожининг соҳибни, ҳокими. [Мулла-дўст:] Тақсирим, бизнинг тожи давлатимиз жанобингиз-да. Ҳамза, Майсаранинг иши. Тожи тахт ёки тахту тож ҳукмронлик рамзи; ҳокимият, давлат. Бу ўт учкунлари .. яқинларда бирдан алангаланиб юзга чиқади, аминнинг тахту тожини, унинг ҳомиллари билан бирга кўйдириб кул қилади. Айний, Дохунда.

2 айн. гултож.

3 Баъзи қушларнинг бошидаги эддор ўсимта. Хўрознинг тожи. ■ Қелин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семирғандай юм-юмалоқ; эгнида энгиз қизил қўйлак, бошида попушакнинг тожига ўхшаган, лекин қизил шляпа. А. Қахор, Тўйда аза.

4 астр. Куёш атрофидаги, кун тугилиш пайтларида яхши кўринадиган ёриқ гардиш. Қуёш атмосферасининг учинчи, энг қалин ва энг сийрак қатлами Куёш тожи дейилади. «Астрономия».

5 тех. Гупчакка ёки бошқа асосга ўрнатилладиган гардишсимон қисм. Шестерня тожи. || Тож шестерня.

**ТОЖДОР** [ф-т] 1 Тож-тахт соҳибни, тож кийган, тахтга ўтирган ҳокими мутлақ; подшо. Элимда подшоман бир ўзим тождор, Беҳад киши тура менга хизматкор. «Эрли ва Шерали».

2 Бошида тожи, ўсимтаси бўлган; тожли. Тождор хўроз.

**ТОЖИК** қ. тожиклар. Тожик тили. || Тожик аёл.

**ТОЖИКЛАР** Тожикистон ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган, эроний тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; тожик халқи.

**ТОЖИКЧА** 1 Тожикларга, тожик

халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. Тожикча ўйин. Тожикча одатлар.

2 Тожик тили. Сиз тожикча(ни) биласизми? || Тожикча гапирмоқ.

**ТОЖИР** [а] эск. кт. Тижоратчи, савдогар. Қили кўрсам менинг дардимдин ортиқ дардини сўйлар, Ажаб мотамарсен тожиру карвонни йиғлатдинг. Мохзода Бегим.

**ТОЖИХЎРОЗ** [ф-т] кам қўлл. айн. гултожхўроз.

**ТОЖЛИ** айн. тождор 2. Тожли каптар.

**ТОЖСИМОН** Тожга ўхшаш, тож шаклидаги. Тожсимон гайка (тех.). ■ Куркаларнинг тумшуғи устида гудда-гудда тожсимон ўсимтаси бўлади. «Зоология».

**ТОЖ-ТАХТ**, тожи тахт қ. тож 1. **ТОЗ** 1 Бошнинг сочсиз тақир ёки кал ери. Бошим — тоз, кўнглим — ноз. Мақол.

2 Шундай бош ва шундай бошли одам, кал. Тоз тарангунча тўй тарқалар. Мақол.

**ТОЗА** [ф-т] 1 Кир, чанг, ифлослик ва ш. кдан холи; озода, покиза. Тоза идиш. Тоза кийим. Тоза уй. || Тоза кийинмоқ. ■ Аъзойи баданимни Хўп яхшилаб кутаман Тирноғимни, тишимни Доим тоза тутаман. Уйғун. | Беғубор, соф, мусаффо. Тоза ҳаво. Янги кўза — суви тоза. Мақол. ■ Тоза ҳаво; тоза сув, Озод Ватан сеники. Еп-еруғ мактабларда Илм ила фан сеники. Ф. Ғулум. | Бекамикўст, чала қолган ёки дағал ишланган жойларни йўқ. Тоза юза. || Тоза қирилган соқол. Тоза супурилган уй. ■ Пахта терсанг тоза тер, Чаноғида қолмасин. Чечан теримчи қизлар Қўлинг синсин демасин. «Кўшиқлар». Тоза иш бажарганда қўл-бетни, уст-бошини кир қилмайдиган иш, озода иш. — Мавлоно, сиз кўп янглишасиз, хунарларнинг ифлос, тозаси бўлмайди, — деди Аваз Соҳибийга. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Аралашмалардан холи; соф, асил. Тоза олтин. ■ Мана бу дурми? Жуда тоза экин, Нури оямда ҳам бор-а? Ойбек, Қутлуғ қон. Бир хил молекулалардан тузилган моддалар тоза моддалар дейилади. «Химия». | Юқори навли, аъло сифат. Гулнор келач, у Йўлчи билан қизга шивирлади: — Мана бу жуда тоза чой. Ойбек, Қутлуғ қон. | Хирилдоқ ва ш. к. камчиликлардан холи, жаранглаб чиқадиган товуш, овоз ҳақида. Ошина ашулаларнинг дилрабо куйи, ҳофизнинг тоза ва ширли овози Элмуроднинг юрагига баҳор нашъаларидек қуйилди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 кўчма Доғ тушмаган, булғанмаган; соф, пок. Тоза виждон. Тоза ном. Тоза қалбда доғ бўлмас. Мақол. ■ Мурзин янада қизшиб, бўртиб, давом этди: — Мен уни яхши билман. У яхши қиз, кўнгли тоза. Шухрат, Шинелли йиллар.



4 рвиш Жуда ҳам, роса. Тоза чарчадик. Сизни тоза кутдик. — Йигит-қизлар холанинг гапларига тоза қулиди. Н. Сафаров, Олияхон Султанова. Тоза чакаги тинмаган одам жансан-ку! Н. Сафаров, Уйғонш.

◆ Палаги тоза уруғ-аймоғи, авлоди ва онла аъзоларидан ибрат олса бўладиган; намунали, зотли. [Пўлат:] Греховнинг палаги тоза эмас. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ТОЗАЛАМОҚ** I Кир, чанг, ифлослик ва ш. кдан холи қилмоқ. Тиш тозаланоқ. Идишларни тозаланоқ. Уйни тозалаб супурмоқ. — Йўлчи уларга беда ташлади. Кейин курак ва супурги олиб отхонани тозалай бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Аралашмалардан, кераксиз, ортиқча нарса ёки қисмлардан холи қилмоқ. Спиртни тозаланоқ. Ёнғоқ тозаланоқ. Гуруч тозаланоқ. Далани гўзпоялардан тозаланоқ. — Анвар гулларни суғориш, ўтларни юлиб тозалаш вази-фаларини ўзи бажарди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Йўлчи йўғон қамиш топиб, ичини тозалаб, бир қаричдан мўлроқ қирқиб олди-да, унга нўхат сифадиган бирнеча тешиклар ясади: «Мана бу най», деди. Ойбек, Қутлуғ қон. Арава Симхаевнинг пахта тозалайдиган заводи олдида турар эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. | Номақбул киши, нарса ва ш. кдан холи қилмоқ. Онгни, ўтмиши сарқитларидан тозаланоқ. Экин майдонини бегона ўтлар ва зараркундан ҳашаротлардан тозаланоқ. — У [Тўқсонов] биринчи галда ўз қарамоғидан идораларни «тозалаб», одамларни янчиланга киришди. П. Турсун, Ўқитувчи. Полк муқаддас ўлкани қадам-бақадан фашистлардан тозалаб, Днепрега яқинлашяпти. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ТОЗАЛАНМОҚ** I тозаланоқ фл. мажх. н. Ялтиратиш тозаланган идиш-товоқ, тозаланган сув. тозаланган пахта. Дала ёвони ўтлардан тозаланди. — Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тустовуқлар тозаланиб тузланганда Кутбиддиновнинг феъли айниди. А. Қаххор, Ўжар.

2 тозаланоқ 2 фл. ўзл. н. У яхшилаб ювинди, тозаланди.

**ТОЗАЛАТИЛМОҚ** тозалатмоқ фл. мажх. н. Зовурлар вақтида тозалатилди.

**ТОЗАЛАТМОҚ** тозаланоқ фл. орт. н. Қийимни тозалатмоқ. Этик тозалатмоқ. Ариқларни тозалатмоқ. — Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодоққа ташқари ҳовлини тозалатар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТОЗАЛАТТИРМОҚ** тозалатмоқ фл. орт. н. **ТОЗАЛАШМОҚ** тозаланоқ фл. бирг. н. Ҳашарчилар кўчаларни тозалашди. — Улар [чумчуқлар] бир-бирларини қувишиб ўйнашар,.. тумшуқчаларини

шоҳга уриб тозалашар,.. яйрашар эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ТОЗАЛИК** I тоза I — 3 с. белги оти. Қийимнинг тозаллиги. Уйнинг тозаллиги. Виждоннинг тозаллиги. Қийимни тозалликка сақла, обрўни ёшиқдан! Мақол. — Ўз тозаллигини қандай исбот қилишни билмаган, онасини ишонтиришдан ожиз Гулнор, кўз ёшлар билан хўл бўлган юзларини кир, чанг наматга суриб йиғлаб ётди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Озодалик қодалари, талабларни. Тозаликни сақламоқ, тозалликка риоя қилмоқ.

**ТОЗАЛОВЧИ** I тозаланоқ фл. ш оти. Ариқ тозаловчилар.

2 Тозалаш иши билан шуғулланувчи мутахассис, ишчи. Пахта тозаловчи ишчи. Этик тозаловчи. — Жумабой деган бир бўйдоқ укаси трамвай узини тозаловчи ишчи эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОЗИ** [ф-т] I Оёқлари ингичка, тумшуги узун, хипча, югурик ов ити. Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлар. Мақол. Този ит айн. този I. Хоҳласа, қарчиғайни қўлига қўндириб, този итни эргаштириб, одамлари билан тоққа чиқиб кетарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Чопқир от, тулпор. Асби този айн. този 2. Майдонда дўнатгин асби тозини. «Равшан».

◆ **Танлаб-танлаб тозисига учрамоқ** қ. танламоқ.

**ТОЙНКИ** [ф-т] биркт. боғл. I айн. токи. Қаттиқроқ гапиринг, тоинки ҳамма эшитсин. — Қаландарбоши эшикдан майда талқин бошлаб кирди. Тоинки жаноб эшонга бизнинг келганлигимиз маълум бўлсин,— деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

2 Ҳатто, «га довур. Тўйда ҳамма, тоинки чоллар ҳам ўйинга тушиб кетди.

**ТОЙФА** [а] I Аҳоли табақаси, группаси. Савдогарлар тойфаси. Бадавийлар тойфаси. — Билармидинг, эй талончи тойфа, меҳнат аҳли қайрамоқда қиличин! Шайхзода. У тўйбошиларга олдиндан уқдириб қўйган эди: «Тартиб бузилмасин, ҳар тойфани ўз вақтида, ўз ерига ўтқазин, ўзига яраша куттиш керак». Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Хил, тур. Раҳим домла қабилар чумчуқдан қўрқиб тарик экмайидиган тойфасидан. Х. Гулом, Машғал. Маҳкам майда-чуйда нарсалар учун уришавермайидиган, уришса ҳам жуда қаттиқ уришадиган тойфадан эди. П. Қодиоров, Уч илдиш.

3 с. т. Жинс. Мирзакаримбой .. жиддий равишда гапириб кетди: — Хотин тойфасининг ақли қисқалиги ҳаммага маълум нарса. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОЙФИ** [ф-т<а] Меваси қизил ва йирик узум навларидан бири. 8 гектар тоқзордаги «Нимранг», «Соёки», «Тойфи» .. каби узум навларининг ҳар гектаридан 25 центнерга етказиб,

ҳосил йиғиб олинди. С. Ёқубов, Олов қалблар. | Шу узумдан қилинган вино номи.

**ТОЙ I** I Отнинг икки яшардан кичик боласи. Саман той. От босмаган ерни той босади. Мақол. Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнинг той олар. Мақол. Тойчани «той» деб хўрлама, эрта-индин от бўлар. Мақол.

2 Болаларга нисбатан эркалаш маъносини билдиради. Унинг узок юртида, қуёш ва гуллар диёри Ўзбекистонда қолган дуоғўй кампир онаси уни — ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Баъзи атоқли отларнинг таркибий қисмига киради ёки эркалатиш учун уларга қўшиб айтилади, мас. Холтой, Уриқтой, Халимтой.

**ТОЙ II** [ф-т] Қатта тўп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол ўлчови. Пахта тойлари. Беш той газлама. Той қилмоқ. — Бўриев кеча у [Самандаров] билан кунни бўйи базада қон, той, яшик, бочкалар орасида ивирсди. А. Мухтор, Туғилиш. Пудратчи уни ишга олиб, той пахта ташишга қўйди. Х. Гулом, Машғал.

**ТОЙДИ** Болаларнинг ошиқ ўйинларидан бири (бунда рақибнинг чикка ёки пуқка ошиғини ўз ошиғи билан уриб тойдирган ютади). Қўзларида маъносиз бир илтифот, Гўёки у, Алакимдан ранжитти; Халгача Мақтаб, ўқши унга ёт. Машгулоти: «Тойди билан ачшити». Ф. Гулом.

**ТОЙДИРИЛМОҚ** тойдирмоқ фл. мажх. н. Тўғри йўлдан тойдирилмоқ. **ТОЙДИРМОҚ** тоймоқ фл. орт. н. Ҳолдан тойдирмоқ. Йўлдан тойдирмоқ.

**ТОЙИЛИШМОҚ** тойилмоқ фл. бирг. н.

**ТОЙИЛМОҚ** айн. тоймоқ I, 2. Тойилиб йиқилмоқ. Бўсагадан тойилсанг, тўрға ўтма! Мақол. — Қор ёғмоқда, оёқ ости музланган. Йўловчи ҳар қадамда бир тойиларди. Айний, Эсадалиқлар. Йўлқанинг гишт терилган қисмидан ўнқир-ўнқир ерга ўтишда Нуқра холанинг оёғи тойилиб кетди. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ТОЙИЛТИРМОҚ** тойилмоқ фл. орт. н. Мана шу лой баъзан тойилтиради, баъзан йиқитади. А. Қаххор, Қўшчнор.

**ТОЙИШМОҚ** тоймоқ фл. бирг. н. Отлар ҳар қадамда тойишарди. Улар ҳеч нарсдан тойишмасди. — Мана шу кўчамизда ёмон одамлар бор экан. Улар бировни ўлдириб кетишдан ҳам тойишмайди. Мирмуҳсин, Умид.

**ТОЙЛАМОҚ** I кам қўлл. Қулунламоқ, туғмоқ (бия ҳақида).

**ТОЙЛАМОҚ II** Той-той қилиб тахлаб, босиб боғламоқ, той қилмоқ. Газмолларни тойламоқ. Тойлаш машинаси. — Мана икки ойдан бери завод гумбурлаб ишлаяпти, далалардан

келатган қанор-қанор пахталарни пай-дар-пай тозалаб, тойлаб ташлаяпти. М. Исмойлий, Фарғона т. о.

**ТОЙЛАНМОҚ** тойламоқ II фл. мажх. н. Тойланган газлама. — Қаналга сув бойлансин, Чўллар боққа айлансин, Янги ерлар очилиб, Оқ олтинлар тойлансин. «Кўшиқлар».

**ТОЙЛАТМОҚ** тойламоқ II фл. орт. н. Пахталарни тойлатмоқ.

**ТОЙЛОҚ** I Кичкина той, тойча. 2 Эрка, эркатой (фақат болаларга нисбатан). Келингиз, тойлоқларим, Қайдан шамол учирди? Имтиҳонлар муборак, Нечанчига кўчирди? К. Мухаммадий.

**ТОЙЛОҚДАЙ**, эдек Кап-катта, давангирдай (фақат болаларга нисбатан). Тўққизинчи синфга кўчганимизда Фойибжон тойлоқдек бола эди. М. Жўра, Изтироб.

**ТОЙМАС** I Олинган йўлдан, мақсаддан қайтшини, тойшини билмайди-ган, кўрқмас. Чинакам севинганлар шу-нақа бўлишади, тоймас бўлиб қолишади, уларга оламда бир-бирларидан бошқа кимса кўринмайди. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

2 Тоймас (эркаклар исми).

**ТОЙМОҚ** I Силлиқ юзада монесиз сурилиб, сирганиб кетмоқ; тойғанмоқ. [Холжон хола] алпон-талпон қадам қўйиб чиқар экан, бирдан бўйлашиб, оёғи тойиб, йиқилиб тушди. Ғайратий, Довдираш. Қўча ва томлар қордан оқара бошлаган. У сирпаниб, тойиб хизматкорхонага жўнади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўчма Четга чиқмоқ, адашмоқ, озмоқ. [Кодир:] Хотиржам бўлинг, партия йўлидан қилча ҳам тоймай-миз. Уйғун, Навбахор. Оёғим сал той-дими, бас, бурнимни ерга ишқайдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 (фақат бўлишсиз ф-да) Қайтмоқ, тап тортмоқ. У ҳеч нарсадан тоймайди. — Бориб турган шум, тош-юррак бола эди, муштдек бошидан жониворларни қийнаб ўлдиршига ўранган.. одам йлдиришдан ҳам тоймайди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

◆ Гапдан (ёки тилдан) тоймай бир гапдан қайтмай. Узбек ойим бир гапдан тоймай, «кетини уят, Отабек уч йил қатнаганда, қизингиз бир йилгина Тошкентда турса нима қилти...» каби сўзлари.. бир мақомда айтилиб турди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўзин ўймай, қайтмас юрган йўлидан, Наҳ уради, ҳеч тоймайди тилидан. «Ёдгор». Жаддига тоймоқ кимсанинг қилмиши учун айбдор бўлиб қолмоқ, жавоб бермоқ. Қилгиликни Сидиқжон қилди-ю, жаддига биз тойиб кетдик-да. Н. Сафаров, Уйғонини. Холдан тоймоқ тинка-мадори, силласи қуриб ўлар ҳолатга етмоқ. Йўловчилар Устюрт саҳросида ўн беш кун йўл юриб тоза чарчадилар, туюлар ҳам ҳолдан тойди. М. Осим, Элчилар.

**ТОЙ-ТОЙ** Тойлари тахланиб кетган, беҳисоб кўп. Той-той пахта. — Дўкон

ичида той-той атлас, шоҳлар ўрта-сида семиз баззоз чой ичиб ўтирарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Той-той** турмоқ диал. айн. ғоз-ғоз турмоқ қ. ғоз-ғоз. Омонтойнинг қизи Бўстонхон Той-той турадиган бўлиб қолибди. С. Ахмад, Чўл шамоллари.

**ТОЙЧА** I той I 1, 2 с. кичр.-эркл. Бир яшар тойча. Тойчани «той» деб хўрлама, эрта-индин от бўлар. Мақол. Мол доктори бўлман; Қолхозимнинг чорвасин Жуда яхши кўраман — Кўзи, улоқ, тойчасин. К. Мухаммадий.

2 Кўчма Эрка, эркатой, тойлоқ (фақат болаларга нисбатан). Хўш, қолхозда ўзинг нима қиялсан, тойчам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТОЙЧИ** Мол тойловчи ишчи. Пахта тозалаш заводининг илгор тойчилари. — Бахўр билан бирга Рафаэлниг илгариги заводиди ишлаяпман. У слесарлик қиялпти. Мен эсам тойчиман. Ё. Ханмов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

**ТОЙЧОҚ** той I 1, 2 с. кичр.-эркл. Бир кун кўрмаганига саман йўрга уйда қолган тойчоғини эслаб кишиаяпти. М. Мухамедов, Қахрамон изидан. Иккинчидан, тойчоғим, «Аъло» олгин ҳар фандан. Барча ошна-оғайнинг Ур-нак олсинлар сендан. З. Днёр.

**ТОЙҒАНИШМОҚ** тойғанмоқ фл. бирг. н. Болалар тойғанишиб бир-бирининг устига йиқилди.

**ТОЙҒАНМОҚ** I айн. тоймоқ I. Тойғаниб йиқилмоқ.

2 Сирпанчиқ отмоқ, сирпанмоқ. Болалар яхмалақда тойғанишяпти.

**ТОЙҒАНОҚ** Монесиз сирганиб кетадиган даражада силлиқ, сирғанчиқ, тойғоқ. Тойғаноқ йўл. || Қўчалар тойғаноқ.

**ТОЙҒАНТИРМОҚ** тойғанмоқ фл. орт. н. Яхмалак одамни тойғантириб юборяпти.

**ТОЙҒАНЧОҚ** айн. тойғаноқ.

**ТОЙҒОҚ** айн. тойғаноқ. Тойғоқ йўл. **ТОЙ I** [ф-т] Узум ўсимлиги. Уч туп ток. Ток очмоқ. Токни кўймоқ. Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк. Мақол. — Ҳовлининг ёнида чорбоғ, чорбоғда раста-раста қилиб ҳавозага кўтарилган тоқлар. С. Айний, Қуллар. Ток оши қоватоки солинган ош. **ТОК II** [р] Электр зарядининг оқи-ми; электр. Узгарувчан ток. Узгармас ток. Қучли ток. Қучсиз ток. Электр тоқи. Кнопкани босиб токни уламоқ. — Икки қўлни бурнига суқиб қайтса-я? — Шербек бу фикрдан ток урсандай сесканди. С. Анорбоев, Оқ-сой.

**ТОКАЙ(ГАЧА)** Қачонгача, қай вақт-гача. Мен тоқай бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурни деб, фермада то-вуққа дон сепиб, тухум тераман. А. Мирахмедов, Ўт юраклар. [Йўл-чи:] Чидай олмадим, мулла ака, .. мен ҳам одам фарзанди, тоқайгача тенки ейман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОҚАРЛИК** тоқарь с. касб оти.

Тоқарлик станогги. Тоқарлик қилмоқ. Тоқарликни ўрганмоқ.

**ТОҚАРЬ** [р] Металл ёки ёғоч йўниш станогиди ишловчи мутахассис, ишчи. Абдушукур Қодиров оддий ишчи — тоқарь. У. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

**ТОҚБЎР** [ф-т] диал. I Ток кесувчи мутахассис боғбон.

2 Ток кесадиган махсус қайчи, ток қайчи.

**ТОҚЗОР** [ф-т] Нуқул ток ўсимлиги билан банд ер, майдон, боғ. Қолхоз тоқзорлари. — Ана йўлнинг иккала бети бўйлаб, сахий кудш нурини беармон эмиб, ястаниб ётган тоқзорлар орқада қолди. С. Анорбоев, Қолхоз кишилари.

**ТОҚЗОРЛИҚ** кам қўлл. айн. тоқзор.

**ТОКИ** [ф-т] биркт. боғл. I Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапда ифодаланган мақсадга қаратилганлигини англатади, бунда эргаш гап кесими, кўпинча, буйруқ майли формасида келади. Каттикроқ гапиринг, токи ҳамма эшитсин. — Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин! П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. айн. то 2. Ҳамма, токи қариялар ҳам ишга тушиб кетди.

**ТОКИЛОН** Қалтақесакка ўхшаш, кул ранг, тез юрадиган, ўтлоқларда яшайдиган жонивор.

**ТОКСИН** [р<грек] биол., мед. Баъзи микроорганизмлар, шунингдек, баъзи ҳайвон ва ўсимликлар чиқарадиган захарли моддаларнинг умумий номи.

**ТОКЧА** I Маҳаллий уйларда идиш-товоқ ва бошқа анжомлар қўйиш учун деворга ўйиб ишланган махсус жой. Элмурод кўрпачага ўтирди. Сўғра ёни-верига кўз югуртирди. Кичкина тоқчаларга ранг-баранг чинни ва сопол косалар терилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. полка I. Ичкари уйдаги тартибсиз китоб тоқчалари қия очик эшикдан кўришиб турибди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТОҚЧИЛИК** кам қўлл. айн. узумчилик I, 2. Тоқчилик совхози.

**ТОЛ** I Ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт ёки бута. Қора тол. Самбит тол. Сариктол. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас. Мақол. Тол ёғоч маданг бўлмас, беона даданг бўлмас. Мақол. — Ҳовли ўртасида чирик гавдаси ўрадай ўпирилган, қари бахайбат бир туп тол. Ойбек, Қутлуғ қон. Сиз айтган (катта) толлар кесилиб кетган «у вақтлар ўтиб кетган, ҳозир бутунлай бошқа замон, тартиб-қоидалар ҳозир бутунлай бошқа» каби маъноларда ишлатиладиган матал. Сиз хотин-қизларни ерда ётган тош деб ўйлардингиз. Йўқ, сиз айтган толлар кесилиб кетган! А. Мухиддин, Ҳадя.

**ТОЛ** II диал. Толым. Қора зулфим эшилгандир тол-тол. «Муродхон».

**ТОЛ III** [р] харб. Мина ва снарядлар ичига қўйиладиган кучли портловчи модда.

**ТОЛА I** Ингириш, газмол тўқиш ва ш. к. мақсадлар учун ишлатиладиган жуда ингичка, пухта табиий ёки сунъий материал. *Инак толаси. Жун толаси. Сунъий тола.* — *Биз терган пахтанинг хар бир толасин Ёвузлар бўйнига айлағил сиртмоқ.* Ғайратий. **Соч толаси** сочининг хар бир мўйи, қили. *Элмурод бошидан шапкасини олди. Майин қир шабадаси унинг тердан наманган соч толаларини еллий бошлади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**2 тех.** Турли қурилмаларнинг қилсимон ингичка қисми. *Электр лампасининг чўғланма толаси. Сақлагичининг толаси куйибди.*

**3 кам қўлл.** Кокил, зулф.

**ТОЛАЛИ I** Толага эга бўлган, толаси бўлган. *Ингичка толали пахта. Узун толали зигир.*

**2 Тола берадиган. Толали техника ўсимликлари.**

**3 Толалардан тузилган. Ёғоч толали пластмасса.**

**4 тех.** Тузлишида тола бўлган. *Чўғланма толали электр лампа.*

**ТОЛА-ТОЛА** Толалардан иборат бўлган, хар бир толаси айрим-айрим бўлиб турган ёки турадиган. *Тола-тола соч.* — *Эпчил қўллардан ўтиб, Сушилкада қурир у. Қозонда қайнаб-пишиб, Тола-тола бўлур у.* «Қўшиқлар».

**ТОЛГУЛ** диал. Самбитул. *Баланд ғишт пойдевори тўрт уй, даҳлиз, деворига толгул ва бўйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон, ошхона.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТОЛДИРМОҚ** толмоқ I *фл. орт. н.* Чамадон қўлимни толдириб юборди. — *Балчиқ, йўлсизлик уни [Бектемирни] тезда толдирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТОЛЕ** [а толеъ, 3-ш. бирл. толеи] I Омад, бахт. *Менинг толеим йўқ (наст).* Унинг толеи баланд. *Толеи келди. Толеи юришди.* — *Толеи тоне отардай, келажаги қўндай кенг.* Ғ. Ғуллом. *Толеингдан ўршлай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб ҳеч нарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга насиб қилган экан.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. *Ҳа, асли тегимси қишлоқдан. Бир камбағалнинг боласи эдим. Бизнинг толемизга Совет ҳукумати бўлди-ю, бундай рўбга чиқиб қолдик.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**2 с. т. кам қўлл.** Қисмаг, тақдир. *Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим. Фол-бинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**Толеи қ. толе.**

**ТОЛЕЛИ** Ҳамиша бахт-толе ёр бўлган; бахт, омади баланд; бахтли. *Толели одам.*

**ТОЛЕМАНД** [а+ф-т] *эск. кт.* Толели, бахтли. *Толеманд ишгит.* — *Нур денгизи ичра толеманд Сузар эди турналар баланд.* Ойбек.

**ТОЛЕСИЗ** Бахти, толеи йўқ, омади

*паст. Толесиз одам.* [[*Норбуви*] эрдан толесиз эмас эди. Ҳ. Шамс, Душман.

**ТОЛЕСИЗЛИК** толесиз с. белги оти.

**ТОЛЗОР** Нуқул тол билан банд ер, майдон. *Анҳор .. нариги қирғоқдаги толзор тагида ёйлиб оқади.* Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ТОЛИБ** [а] I Талаби бўлган, талабгор. *Сулув қизсан, сенга толиб кўп бўлур.* «Равшан». *Ишламоққа ҳамма толиб, Бир-бирига келиб қолиб. Хар кетмондан юз гул унар, Чўллар сувга тўлиб-қониб.* Фозил шоир. **Толиби илм** илмга талаби бўлган, илмга ташна; талаба. *Нариоқда Умарали бир-икки дўстлари, толиби илмлар билан қуюқ суҳбатда.* Ойбек, Улуғ йўл.

**2** Мадраса ўқувчиси.

**3** Толиб (эркаклар исми).

**ТОЛИМ** Озгина соч тутами, дастаси. *Унинг учун Гулнозининг бир толим сочи етти иқлим подшошининг божии билан хирожидан қимматли.* Т. Сулаймон, Интизор.

**ТОЛИМ-ТОЛИМ** Тутам-тутам, даста-даста (майда соч дасталари ҳақида). *Сочларим толим-толим, Ёрим, сенда хаёлим. Кеча хатингни олиб, Қулди жамолим.* Т. Тўла. *Белга тушган қирқ кокилим толим-толим Ёноғимга ҳусн берар кшмиши холим.* Я. Қурбан.

**ТОЛИКИШМОҚ** толикмоқ *фл. бирг. н.* Пулдан толиқишибди. — *Улар [чол билан камтир] узоқ ўтириб толиқишган бўлса керак, дарҳол чўзила қолишиди.* Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ТОЛИҚМОҚ I** Чарчамоқ, ҳоримоқ. *Қута бериб толиқдим.* — *Қизим, ёта қолинглар. Мехмон йўл юриб келган. Толиққин.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** (ч. к. билан) Бирор нарсдан қийинчилик сезмоқ, зориқмоқ. *Пулдан толиқмоқ. Сувдан толиқмоқ.* — *Хизматкорлари овқатдан толиқмайди. Лекин, чавандознинг жаҳли чиқса, хизматкорларни тўтиб ураверади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОЛИҚТИРМОҚ** толиқтирмоқ *фл. орт. н.* *Қуттириб толиқтирмоқ. Пулдан толиқтирмоқ.* — *Ғап билан сени ҳам толиқтириб қўйдим, оғайни. Энди кетай,— деди Холмат касал ётган Пўлатга.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Овқатдан, сувдан толиқтирмасанг, кун сайин ҳосилга ҳосил қўшасан.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТОЛҚУЧУК** Барг ёза бошлаган тол новдаси. *Қўжлам. Нега шамол келмас юксак тоғлардан, Толқучукдан жевак таққан майса боғлардан.* Ғ. Ғуллом.

**ТОЛМА** диал. Бўлали, лўппи; мулоийим. *Унинг [Зумраднинг] ўрта, толма бўйи, нозик бели, ингичка эгма қошлари, қирра бурни, йирик учқунли кўзлари бир-бирига муносиб.* Ойбек, Улуғ йўл. || У [Маҳсуммахон] баланд бўйли, толмадан келган, хишрўй, кўзлари катта-катта ва порлаб турадиган, ниҳоятда чиройли аёл. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТОЛМАС I** Чарчашни билмайдиган, ҳормас-толмас. *Толмас қурашчи. Холини билган ҳормас, қанча иш қилса, толмас.* Мақол. — *Бошимдаги қоплаб турган булутни Толмас билак, битмас куч-ла йиқитдим.* М. Алавия.

**2** Толмас (эркаклар исми).

**ТОЛМОҚ I** Чарчамоқ, ҳоримоқ, толикмоқ. *Белйм толиб кетди. Қўлим толиб, чамадонни ташлаб юбораязим.* *Қитоб ўқийвериб, кўзим толиб кетди.* — *Раззоқнинг иши яна кўнайд.* *Умурзоқ ота эса унинг йўлини пойлай-вериб толди.* Ҳ. Ғуллом, Машъал. *Бектемир эўдакни ерга қўйиб, толган биласини уқалади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**2** кўчма Ботмоқ, чўммоқ. *Ҳаёла толмоқ. Уйга толмоқ.* — *Султонали мирзо Гулшаннинг ўрдага кетганлигини эшитиб силласи қуриди, бир неча вақт фикрга толиб қолди.* А. Қодрий, Мехробдан чаён.

**ТОЛЧОВКОН** Тол куртак чиқара бошлайдиган эрта баҳор вақти. *Толчовкон боғларга ёпиб гиллапўш, Рабоч, момақаймоқ чиққан ойлари.* С. Акбарий.

**ТОЛЬ** [р<фр] Қартонга тошқўмир қатрони шимдириб тайёрланган қурилиш материал. *Бир рулон толь.* — *Толь омонатгина ёпишган сарой ичига селитра тўкиб қўйилган.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ТОЛҚОН I** Ковурилган дон, қуририлган нон, сухари ва ш. к.дан тўйиб тайёрланган емиш. *Нон толқон. Бурдой толқон.* — *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сиеирнинг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳ. Ғуллом, Машъал. *Хольа толқон ёғда қовурилган ун билан шакардан тайёрланган толқон.*

**2** Умуман туйилган хар қандай нарса; порошок. *Носвой толқон. Толқон қилмоқ* 1) толқон тайёрламоқ. *Хотинлар, одатда, ҳайитга хольа, толқон қилишади;* 2) туйиб толқонга айлантирмоқ. *Махоркани толқон қиламан. Жиндак оҳак ёки қул билан хурушга келтираман.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўчма майда-майда қилмоқ; ер билан яксон қилмоқ. *Бу ёқдаги қазувчилар ҳам Ғулломжон, Барот полдон, Замон сингари тоғни урса толқон қиладиган азаматлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Оғизга толқон солмоқ** индамай, товуш чиқармай, ҳеч нарса демай турмоқ. *Нега жим ўтирибсизлар? Оғизларингизга толқон солиб олдиларингизми? Чирманда чалиб, қўшиқни бошланглар!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТОЛҒИН** кам қўлл. Ҳорғин, сўлғин, синиққан. *Норқўзи Ферузанинг толғин чеҳрасига, чарқоқликдан қизарган кўзларига ачиниб қаради.* Ҳ. Ғуллом, Сенга интиламан.

**ТОМ I** I Уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми. *Лой том. Тунука том. Икки нишабли баланд*

том. Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир. Мақол. — Мингбоши томидаги қарнайчиларга «бас» ишорасини қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 диал. Уй, ховли-жой. Эшакка муеъз битса, эвасини сузади, туга қанот битса, томингни бузади. Мақол. — Шунда бориб бир томни очди — бари тиллага тўла, бир томни очди — кумушга тўла. «Равшан».

◆ Томдан тараша тушгандай қ. тараша. (Узини) томдан ташлайди бирор нарсага жуда ўч, ўлармон одам ҳақида айтиладиган ибора. Ичкилик бўлса, Жўра ўзини томдан ташлайди. Ойбек, Кутлуғ қон.

ТОМ II [a] кт. I сфт Тўла, тўлиқ. Муфти .. котибининг чизган режаларини амалга оширишга том ихлос билан кўнди. А. Ҳакимов, Илон изидан. Қўлтиғимдаги анордан биттасини олиб, ёриғидан иккига ажратиб, икки қўлим билан сиқиб, том иштаҳа билан ейишга тушидим. Ғ. Ғулом, Шум бола. [Ҳасанали] хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса хўжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том бўлиб, бунинг эвасига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўради. А. Кодирий, Утган қунлар. Даражаи том тўлиқ даража, камолот даражаси. Маълумотим даражаи томга эришган бўлса ҳам.. ёзмоқда қийналанман Ойбек, Навоий. Том маъноси билан тўлиқ, чин маъноси билан. Фармондов том маъноси билан «ижтимоий одам» бўлиб, бутун ҳаёти коллективда, идора, мажлисда, минбарда ўтган. А. Мухтор, Чинор.

2 рвш Бутунлай, тамомила, батамом. Қулогим том битди. — Тақсир, — деди Фозилҳақ Азизулхон сигарет чекиб .. Мухтор Ҳасанга қараб, пинакка кетгандай том маҳлиёсиз. Ойбек, Нур қидириб.

ТОМ III [p<ерек] Бир неча китобдан иборат асар, муқоваланган ҳужжат ва ш. к.нинг ҳар бир айрим китоби; жилд. Лугатнинг биринчи томи. Тўламининг учинчи томи. — Йўлдош кирганда, Пўлат дераза рафида тиззасини қучоқлаб ўтираб, соғла, ёстиғи устида медицина энциклопедиясининг томлари сочилиб ётар эди. А. Мухтор, Чинор. Кўшининг аксида кўринар яққол Маърифат уйига ташланган қадам. Ленин томларини бағрига босган Саноксиз йигит-қиз бўлур мужассам. Ғайратий.

ТОМАТ [p] Помидор суви ёки пасаси.

ТОМДИРМОҚ томмоқ фл. орт. н. ТОМИЗДИРМОҚ томизмоқ фл. орт. н. Кўзга дори томиздирмоқ.

ТОМИЗИЛМОҚ томизмоқ I фл. мажх. н. Беморнинг оғзига сув томизилди. Кўзга томизилдиган дори.

ТОМИЗИМ диал. Томчи. Бир томиш сув. — Мараҳим .. учинчи ишидан тегатурган «насиба» сини ҳам бир томизим қўймай ичди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Шу талантни

ишга солиш учун аллақандай бир доридан бир неча томизим томизиш керак. А. Каххор, Сароб.

ТОМИЗМОҚ I томмоқ фл. орт. н. Кўзга дори томизмоқ. — Оти декансини осди ва чайладан ишидаги жувоз мойини келтириб унга томизди. Х. Ғулом, Машғал. Оғзига сув томизмоқ ўлим тўшағидаги беморга сув томизиб охириг ёрдам кўрсатмоқ. Ревизия арпа, бугдой етишмаганлигини аниқлаган пайтда, Алиқўлнинг оғзига сув томизилатгани тўғрисида миш-миш тарқатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 (фақат бўлишсиз ф-да) Бир қатра ҳам анойи қилмаслик, бекор кетказмаслик, ёрдам кўрсатмаслик. У онасига бир чакки томизмайди. — Бой пишиқ одам, бир тийинни чакки томизмайди. Ойбек, Улуғ йўл.

ТОМИЗГИ I от Катиқ ивтиш учун сутга солинадиган ачитки (мас. эски катиқ). Сутга томизги солмоқ. — Қўшникига томизги сўраб кирган Ҳажалхон бир зумда бир талай гап топиб чиқди. А. Мухиддин, Ганишер.

2 сфт Томизилдиган, томчилаб қўйилдиган. Томизги дори.

◆ Томизги ҳам бўлмайди жуда оз. Бу пулингиз томизги ҳам бўлмайди. Томизғига ҳам топилмайди сира топилмайди, учрамайди. Сув томизғига ҳам топилмайдиغان чўл.

ТОМИЗГИЛИК Томизги учун етарли; томизги учун қолдирилган. Бир томизғилик қатиқ. Катиқдан бир-икки томизғилик қолдирмоқ.

ТОМИЗГИЧ Суюқликни томизиш учун ишлатиладиган асбоб; пилетка. Томизғич билан кўзга дори қўймоқ.

ТОМИР I анат. Одам ва хайвонлар танасида қон ёки лимфа оқадиган найчасимон орган. Қон томирлари. Лимфа томирлари. Томирдан қон олмақ. Томирга дори қўймоқ. — Тўлаган ерга қараб жим қолди. Унинг чакка томирлари бўртди, бурнининг учи йилтиради. А. Каххор, Қўшчинор.

2 с. т. Юрак ҳаракати натижасида қон тешиши; пульс. Томирни ёки томир уришини (ёки тешишини) кўрмоқ томирни ушлаб юрак, қон ҳаракатини, пульсни аниқламоқ. Табиб, Отабекдан воқеани сўраб билгандан сўнг, Қумушининг томирини кўриб лабини тишлаб қолди. А. Кодирий, Утган қунлар.

3 с. т. Мушакларни суякка бириктирувчи пухта, эластик тўқима; пай. [Йўлчи] .. томири тортишган .. одам каби, бир лаҳза қотиб қолди, сўнг қиличсини маҳкам ушлаб, букчайиб, оҳистагина ерга йиқилди. Ойбек, Кутлуғ қон. Томирга болта урмоқ айн. оёғига (ёки тагига, илдизига) болта урмоқ қ. болта. Элмурод ўзининг динга, жаҳолатга қарши бўлган билимини одамларга ёйиш билан, домланинг томирига болта ураётганини яхши фаҳхламасди. П. Турсун, Ўқитувчи. Томир отмоқ (ёки ёймоқ) I) илдизларини ҳар томонга таратмоқ,

илдиз отиб ўсмоқ; 2) кўчма ҳар томонга таралмоқ, тармоқ отмоқ. Шербек катта кўча тўрт томонга томир отган оқойда тўхтаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой; 3) кўчма кенг тарқалмоқ; кенг тарқалиб ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмақ. Орамизда .. бузғунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар. А. Кодирий, Утган қунлар.

4 бол. Ўсимлик танасида суюқлик ва ундаги эриган моддалар оқадиган тўқима найчалар.

5 бот. Илдиз. Ариқ бўйларида, қир этакларида ўтган йилги ўтларнинг томиридан нозик майсалар униб чиқа бошлаган. С. Анорбоев, Оқсой. Агар у ҳар кунни эрталаб, кечкурун сойга тушмаганда эди, кўза-кўза сув қўйиб томирига нам юбормаганда эди, ўрик аллақачон хазон бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 кўчма Илдиз, негиз. Яхши нақл — томири ақл. Мақол. — Жўраҳон бу муҳим масалани айтишдан бош тортаганда, бунинг томири жуда узоқ эканлигини Ғуломжон дарров фаҳмлаб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Томирини қуритмоқ (ёки кесиб ташламоқ) таг-томири билан кўпормоқ, илдизини қуритмоқ, йўқ қилмоқ.

7 кўчма Бир-бирини қўлловчи, бир-бирига ҳомийлик қилувчи кишилар ўртасидаги ўзаро боғланиш, алоқа; илдиз. Зағчақўз домлаям, Турдивой халфаям, ҳалмаси.. Буларнинг томири узун, Зағчақўз мударрис бўлган экан, ўғиллари, шогирдлари катта-катта амалда дейишади. П. Турсун, Ўқитувчи.

8 диал. Қариндош, уруғ. Юртга донги кетган Жоналибойга, Қизинг бериб, бойга томир бўлмайлик. Пўлкан. | Қариндошлик риштаси. Тожибой ўзи қамбағаллардан бўлса ҳам, томири Олахўжа махсум билан тушган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

9 диал. Тутинган ўртоқ, яқин дўст. Томирингни мақтама, ёмон чиқса қайтисан. Мақол. — Икки ўртада сўз бергандик, томирмиз — деб, Зуवालаси айрим битта хамирмиз деб. Ғ. Ғулом. Минининг зотини билгандан бирининг отини бил, деганлар, танишиб қўйчилик, томир. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

◆ Томирига тушган қурт бирор кимса, коллектив ҳисобига яшовчи текинхўр. Нима, колхознинг томирига тушган қурт бўлмоқчимсан? Йўқ, мен бунга йўл қўймайман. С. Зуннунова, Олов.

ТОМЛИ I Том билан ёпилган, томи бўлган. Тунука томли уй. — Сал юрилгач, дарахтзорлар, боғлар, похол ғарамлари, .. черепица ва қамши томли уйлар қаторлашиб кетди. Х. Назир, Чўл ҳавоси. Бўронбек دادасининг даврида чоракорлар турган пастгина қамиш томли уйга кўчиб ўтган. Х. Ғулом, Машғал.

**ТОМЛИ II** Белгили томдан, жилддан иборат бўлган. *Икки томли шеърлар тўплами. Беш томли асар. Тунука томли уй.*

**ТОМЛИК** Нечадир томдан, жилддан иборат бўлган асарлар тўплами. *В. И. Лениннинг эллик беш томлиги.*

**ТОММОҚ I** Томчилаб оқмоқ; чакка-чакка оқиб турмоқ, тушмоқ, томчиламоқ. *Хатга сийх томди. Шимга ёр томибди. Томчи томиб бўлгунча, дарё эқиб ўтади.* Мақол. *Тома-тома қўл бўлур, ҳеч томмаса чўл бўлур.* Мақол. *— Совуқ томчилар унинг юзига, бўйнига томиб ғашини келтирди.* Ойбек, *Кувеш қораймас. Қўз ёшлари .. эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома боилайдир.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

2 *кўчма* Қуюлиб келмоқ, ёғмоқ. *Юзидан нур томиб турган чол. — Қутидорнинг жавобидан самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар. Мой гомса ялагудек айн. ёғ тушса (ёки гомса) ялагу(н)дай қ. ёғ. Чўгдек гўзал дарсхона Ёғ тома ялагудек. Озода кутубхона Мақтаса ярагудек. Қ. Муҳаммадий. Оғзидан (ёки сўзидан) асал (ёки бол) томади қ. бол. Қамчисидан қон томган қ. қамчи.*

**ТОМОН I** айн. тараф 1, 2, 4. *Шимол томон. Қўнанинг ўнг томони. Бир томони очиқ ҳовли. Ҳамма томони берк майдон. Ҳар томондан. Бир томондан. Иккинчи томондан. Машиий томондан. Иссиқ томонлар. Келишувчи томонлар. Томонлар кураши. Тўрт томонинг қибла қ. қибла. Томонини олмоқ айн. тарафини олмоқ қ. гараф 2.*

2 *мат.* Текисликдаги геометрик шаклларни ҳосил қилувчи кесмаларнинг ҳар бири. *Тўғри тўртбурчак томонлари. Томонлари тенг учбурчак.*

3 (б. к. ёки ж. к. билан) *кўм. вазифасида* Бирор йўналишда; «га қараб. *Шимол(га) томон йўл олмоқ. — Батальон жанг билан станция томон бораётган вақтда «Дувараж» мажакланган вагонларни оралаб, бузилган кўприкка қараб кетди.* А. Қаххор, *Олтин юлдуз. [Кулуш] онасининг юмушига бир оз қараб тургандан кейин ташқариса томон кетди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

5 3-ш. эгалик ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. *томонидан*).

**ТОМОНИДАН** *кўм. вазифасида* 1 Тарафидан, ёғидан. *Энди унинг хаёлини банд қилган нарса мактабнинг ўнг томонидан чиқиб катта йўлга туташган кўнанинг охирида қишлоқнинг ҳуснини бузиб турган эски гўристонни кўчириш муаммоси эди.* А. Қаххор, *Кўшчинор.*

2 Тарафидан, номидан. *Қуда томонидан келган вакил. Ёзувчи томонидан*

*берилган изоҳ. — Учтадан олтига оқ кийинган қиз чилдирма мақомига оёқ уриб, кифт қоқиб чиқди. Шу билан область ва район театрларининг бирлашган кучи томонидан бериладиган концерт бошланиб кетди.* А. Қаххор, *Кўшчинор.*

3 Тарафидан, жихатидан. *Сифат томонидан нуқсонни йўқ мол. Пул томонидан олинган ердан. — Наманганда унинг ота томонидан қариндошлари бор эди.* А. Қаххор, *Кўшчинор.*

**ТОМОНЛАМА I** Қанчадир томони бўлган. *Бир томонлама ханжар. Икки томонлама мовут.*

2 Нечадир томонга тааллуқли бўлган. *Уч томонлама битим.*

3 Жихатдан, томондан. *Масалага бир томонлама қараш. Программани ҳар томонлама муҳокама қилиш.*

4 *реш* Нечадир томондан, тарафдан. *Гўёза қатор ораларини икки томонлама ишламоқ.*

**ТОМОНЛАМАЛИК** томонлама с. *мавх. от. Муҳокаманинг бир томонламалиги.*

**ТОМОНЛИ I** Қанчадир томони бўлган; томонлама. *Икки томонли пичоқ.*

2 *мат.* Нечадир томон билан ўралган; қандайдир томонлари бўлган. *Тўрт томонли тўғри тўртбурчак. Тенг томонли учбурчак.*

3 Бирор ерга, томонга мансуб бўлган. *Фарғона томонли киши.*

4 Бирор томонга ён босувчи, тарафини олувчи. *Унинг Азизбек томонли бир киши эканлиги .. ҳар бир .. оғизда нақл қилинса ҳам, аммо ҳеч бир кимса унинг ичига кириб чиқмагандир.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

**ТОМОРҚА, томорқа** ер Қишлоқ меҳнаткашларининг ихтиёридаги, одатда уларнинг қўрғони ёнида жойлашган ер участкаси. *Совхоз ишчиларининг томорқалари. — Колхознинг ҳар бир хонадони ўзи фойдаланиши учун кичкина томорқа ерга эгадир «ЎзССР Конституцияси».*

**ТОМОША** [а] Оммавий равишда кўрсатиш учун тайёрланган сахна асари ва умуман ҳар қандай оммавий ўйин-кулги. *Театр томошаси. Цирк томошалари. Томоша зали. Томоша қўймоқ. Спектаклни қизиқиб томоша қилмоқ. — Севган қизи билан ҳеч бўлмаса бир томошага бориб, бир қониб гаплашиши истеъдод унинг гўё қоронғи кўнглига ёрду сочгандай бўлди.* П. Турсун, *Ўқитувчи. Ташвишни ташла, ўртоқ, хушақнақлигини қўйма, юр, томошага киримиз. И. Рахим, Ихлос. I* Умуман кўрган кишига завқ бағишлайдиган ёки эрмак бўладиган ҳар қандай қизиқ нарса, манзара ва уни кўриш, кўздан кечириш жараёни. *Богни томоша қилмоқ. Виставкани томоша қилмоқ. — Унинг .. кўзи чечак ва сабзалар томошасида, .. қулоғи қушлар нағмасида бўладир.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар. «Балиқлар ҳам хўп аломат нарса-да», деб қўйди, томошага берилиб қолган Қудрат ичиди.*

Ҳ. Назир, *Сўнмас чақмоқлар. кўчма с. т. Машмаша; хангама. Томоша бўлмоқ. — Олаҳўжа унинг шикоятини эшитиб: — Буларнинг қитиғига тегма. Агар газетга суробингни тортса, ғир этиб терговчи этиб келади. Ана унда кўр томошани.* П. Турсун, *Ўқитувчи. Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди. Бу болаларга чиндан қизиқ томоша бўлди.* Ҳ. Назир, *Сўнмас чақмоқлар. Қудрат курашни томоша қилиб ўтирса ҳам, давранинг нариги томонида — анча четда — нима учундир олазарак бўлиб турган Замона тез-тез қараб-қараб қўяр эди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о. [Нури] узун занжирли, кичкина, лекин гоят чиройли, муъжаз, қопқоғида бриллиантлар ёнган олтин соатни олиб, томоша қилди.* Ойбек, *Қутлуғ қон. Текин томоша бекорчиликка эрмак бўладиган қизиқ хангама, воқеа.*

◆ **Томоша қовоқ қ. қовоқ I I.** **ТОМОШАБИН** [a+ф-т] 1 Бирор томошани кўриш учун келган киши, томоша кўрувчи. *Театр томошабинлари. Футбол томошабинлари. — Томошабинлар напак чалиб юбордилар. Ҳамма ёқдан қийқириқ эшитилди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о. Халқ сахнанинг очилишини кутган томошабиндай, жим эди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

2 *кўчма дағл.* Бирор ишга лоқайдлик билан четдан қараб, кузатиб турувчи одам. *Томошабин бўлиб турмоқ.*

— *Хафа бўлманг, ака, — деҳқоннинг елкасига қоқиб юпатди Йўлчи, — фалокат эмас, арава синди, тузатилади .. Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинади, баъзилар томошабин. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ТОМОШАБИНЛИК** томошабин с. *мавх. от.*

**ТОМОШАХОНА** [a+ф-т] Томоша кўрсатиладиган жой, томоша муассасаси (театр, кино, цирк ва ш. к.).

**ТОМОШАЧИ** с. т. Томоша кўрувчи, томошабин.

**ТОМОҚ I** Бўйиннинг энгак ёки тумшук ости қисми. *Томоғи қора товуқ. Томоғида холи бор қиз. — Қора соч, қора қош, қора кўз, қизил юз ва оқ томоққа ярашидиган гулоби рўмол.* Айний, *Куллар. — Ойи! Сув! Сув! Гулнор дам кўкрагини, дам томоғини, дам бошини гижимлаб эза бошлади.* Ойбек, *Қутлуғ қон.*

2 *анат.* Қизилўнғач билан кекирдик бошланадиган ер; бўғиз. *Томоқ оғриғи. Томоғим оғрипти. — Қизда уйқу йўқ. Унинг бадани қизғин, томоғи қақраган, юраги шиддатли уради.* Ойбек, *Қутлуғ қон. [Абдураҳмонбой] томоғига совуқ ҳаво тиқилгандай, бир энтикди.* Ҳ. Ғулум, *Машғал. Томоқ кирмоқ I*) ўпқадан шиддат билан ҳаво чиқариб, томоқни тозаламоқ. *Алим бува гапирмоқчи бўлиб томоғини кирди, кейин: — Бир маслаҳат билан келувдим, додхоҳ, — деди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.; 2) томоқни хириллатиб*

бўғилиб гапирмоқ. *Рус жангисиси томоғини қириб, алланима деди.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) томоқдан товуш чиқариб ишора қилмоқ. *Соҳиб қори бир-икки томоқ қирса ҳам, хотини пинагини бузмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Томоғидан ҳеч овқат (сув ва ш. к.) ўтмайди** 1) овқат, сув ва ш. к. ютолмайди, ея олмайди, ича олмайди (оғир бемор ҳақида). *Беморнинг томоғидан сув ҳам ўтмай қолди;* 2) кўчма ишга ҳаси хиппа бўрилган, кўнгли овқат, сув ва ш. к. тусамайди. *Кудрат, томоғидан овқат ўтмай, икки қўли чаккасида, хаёл суриб кетди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 кўчма с. т. Таом, овқат. **Тамли томоқ.** **Томоқ емоқ.** **Томоқ қилмоқ.** *Қарини томоқ асрайди.* Мақол. **Хўра ошдан ўлар, тўра — томоқдан.** Мақол. — **Уйдағиларнинг сўзларини эинга эмас, ҳатто томоқ чайнашларини ҳам эшитса бўлар эли.** А. Қодирий, Утган кунлар. | **Овқатланиш,** овқат. **Томоқдан кейин Отабек ҳам бир оз ухлаб олши учун ётди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Текин томоқ** 1) ўзганинг меҳнати билан юзага келган овқат. **Текин томоқ ичагини тешади.** Мақол. **Текин томоқ танини тоза қилади.** Мақол. 2) ўзганинг ҳисобига яшовчи киши; текинхўр. **Аллонхўжа қўрасидаги қора ўтовларни оралаб, отбоқару фойтунчиларни текин томоқ ялқовлар, деб сўйиб жувозга қувди.** А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

◆ **Томоғи тақиллаб (ёки гақиллаб)** 1) чанқовдан томоғи қуриб. **Томоғи тақиллаб ўтираган диторни «кўтармасалар ичмасинлар» деса ҳам, Набиғул унамади.** А. Қахҳор, Қанотсиз читтак; 2) нафси ҳаққалак отиб, бирор нарсага илҳақ бўлиб. **Ҳалиги Мама-саид деганимизнинг қизи ҳам бўйга етиб, кўзга кўриниб қолди.** **Бирорта ҳамени каттароққа пулласам деб, томоғи тақиллаб, ўлиб юрибди.** П. Турсун, Уқитувчи. **Томоғи кичиб айн.** **Томоғи тақиллаб.** У [монтёр] **томоғи қичиган кунни бирор кишининг симини шартта узиб, уйга кириб кетади.** «Муштум», 1961, № 7.

**ТОМОҚХҲҮР** Овқатни кўп ейдиган, еб тўймайдиган; еймасак, юҳо, мечкай. **Томоқхўр одам.**

**ТОМТЕПАР тар.** Чакка ўтадиган томни кўпчилик бўлиб тегиб зичлаш ва шу мақсадда уюштирилган хашар.

**ТОМТЕШАР** Том тешиб ўғрилиқ қилувчи ўғри.— **Мана бундан том-тешар қиқади.** **Кисовур бўлмайди, кўпол,— деди Султон Омонни кўрсатиб.** Ф. Фулом, Шум бола. | **Умуман муттахам, фирибгар. Колхоз мулкни сенга ўхшатиш томтешарлардан сақлайман.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТОМУҒ кт.** Дўзах, жаҳаннам. **Унинг зиндонлари томугдан баттар, Унинг кишини бор — умрга хатар.** Миртемир.

**ТОМЧИ** 1 Суоқликнинг заррачалари тортишуви натижасида шар шаклини

олган алоҳида кичик бўлаги. *Сув то-мочиси. Ёмғир томчилари.* **Бир томчи ҳам қолдирмай ичмоқ.** **Томчи сел бўл-мас, душман эл бўлмас.** Мақол. **Томчи тошини тешади.** Мақол. **Бир томчи сув чумолига дарё кўринади.** Мақол. || **Томчи дори.** **Модданинг томчи ҳо-лати (хим.).** — **Бу гал қусуқ қонга айланган эди, [Кумушининг] бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Унинг [деҳқон-нинг] офтобда қуйиб пишган, этсиз, йирик ёноқли юзида кўз ёшимни, терми, ҳар ҳолда томчилар юмаланар эди.** Ойбек, Қулгўр қон. **Ҳа, тоғдек ғурур бор бугун ҳар кимда, Мен ҳам шу оқим-нинг кичик томчиси.** Х. Салоҳ.

2 диал. айн. **чакка II.** **Томдан томчи ўтаётир.** — **Ёмон бўлганда қандай — умрнинг заволи.** **Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани, бир кунлик умрнинг чиққани дейдилар.** П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Бир (ёки сўнги, охири) томчи қони қолгунча жонини ҳам аямай, ўзни, жонни фидо қилиб бўлса ҳам.** **Аскарликка жоним билан бораман.** **Ватанимни сўнги томчи қоним қол-гунча қўриқлайман.** П. Турсун, Уқитувчи. **Дарёдан бир томчи жуда оз, бир қатра.— Бу айтганларимиз дирёдан бир томчигина! — деди Олимов, болаларнинг кўпи ҳали қаноатланмаган-ини сезиб.— Тоғларимизда сир кўп.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТОМЧИЛАМОҚ** Томчи-томчи бўлиб оқмоқ, тушмоқ. **Ёмғир томчилаяпти.** — **Шоҳ-шабба орасидан сув силқиб томчиларди.** Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТОМЧИЛАНМОҚ** Томчи ҳолига кел-моқ, томчига айланмоқ. **Қор капалак-лари Йўлчининг қошиларига, киприк-ларига қўнади, юзларига ёпишиб том-чиланади.** Ойбек, Қулгўр қон.

**ТОМЧИЛАТМОҚ** томчиламоқ *фл. орт. н.* **Дорини томчилатиб қуймоқ.** **Кўзга дори томчилатмоқ.** **Ёмғир том-чилатиб ўтди.**

**ТОН** [р<грек] 1 *физ., муз.* Товуш баландлиги.

2 Нутқ тарзи, оҳанги. **Заргаров (аль-бомни тез-тез варақлайди): — Ҳозир-ҳозир... Ҳа, мана, мана! (Доклад то-нида, баланд овоз бўлди.) Уртоқлар! А. Қахҳор, Оғриқ тишлар.**

**ТОНГ I** 1 Кун чиқиш пайти, суб-хидам, сахар, азон. **Баҳор тонги.** **Тонг пайти.** **Тонг шабадаси.** **Тонг қоронғиси.** — **Хўролар ҳам уйғониб Бердилар тонгдан хабар.** **Қимларга оғир ботар, Қимни ширин аллалар.** **Ғайратий.** **Тонга яқин, тўпнар, ма-шиналар, танклар қаланган, жанг-чилар қайнаган катта манзилнинг қўйнига кирди.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Тонг ёришди.** **Бурқиган тутун ва чанг орқали шаҳарнинг хароб гавдаси аста-секин намоён бўлди.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Эрта тонгда Нуруллабойда Аравага қўшилди отлар.** Э. Раҳим, Ёлгон тонг туннинг булут орасида ўта-ётган ой ёғдусида гира-шира ёришаёт-

гандек туюлган пайти. **Тонг бўзариб ёришди.** **Ёлгон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди.** **Шухрат, Шинелли йиллар.** **Эрта тонг ёки тонг сахар жуда эрта, кун ёришар-ёришмас.** **Тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб** эрталабдан кечгача ва кечаси билан тинмай. **Тунни тонга уламоқ ёки тонг оттирмоқ** кечаси билан ух-ламай бирор иш, хаёл ва ш. к. билан машғул бўлмоқ. **[Низомжон] кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонга улаб, қушлар нағмасидан, сув-лар шилдирашидан кўнгила алақандай юпанч исларди.** С. Аҳмад, Уфқ. **Тўхта хола чинакчиликдан чиққан пахтасини кечалари йиғирар, чарх олдига тонг оттирарди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма **Бирор нарсанинг бошланиш пайти, илк даври.** **Бахт тонги.** **Октябрь тонги.** — **Кунлар келар,— қор-қора уфқ Ол шафақдан бўлар лоларанг, Назот тонгин очайди қуёни.** **Ғайратий.** **Тонг отди** 1) қуёш чиқиш пайти яқинлашиб, кун ёришди. **Тонг отди.** **Тепаликларнинг қор босган оппоқ чўқ-қиси, ўрмондаги дарахтларнинг учи қизарди.** А. Қахҳор, Олтин юлдуз; 2) рўшнолик кунни бошлади. **«Бир-лаш ишчи-деҳқон!» деб, Ленин отам ўргатди.** **Зулмат чил-парчин бўлиб, Мамлакатда тонг отди.** «Қушиқлар». **Тонг отгунча** 1) эрталаб тонг ёришгунча, субхидамгача, то сахар. **Тонг отгунча ухладим.** — **Тонг отгунча разведкачилар везодан, қанотлардаги роталардан, кузатув пунктларидан, пистирма постларидан керакли маълумотлар тўплади.** И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) кўчма рўшнолик кунлари бошлангунча.

◆ **Тонг тонг оширмоқ** кечаси билан отни овқатдан танғиб қўймоқ.

**ТОНГ II:** **тонг (қотиб) қолмоқ айн.** **донг (қотиб) қолмоқ қ.** **донг II.** **Ибодилла эрталаб дўконни очиб хужрага кирди-ю, акасини кўриб тонг қолди.** Х. Фулом, Машғал. **Воқеа устиса кел-ган Ширин бу ҳолни кўриб тонг қотиб қолган.** Айний, Қуялар.

**ТОНГГИ** Тонгга мансуб, тонгда бўл-ган ёки бўладиган. **Тонгги шабада.** — **Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни, Устасин чақирар тонгги гудоқлар.** Ф. Фулом.

**ТОНГЛА** [асли тонг + ила] **Эртанги, келгуси кун.** **Бугун дегани тонглага тўғри келмайди.** Ойбек, Навоий. **Ҳар тарафда дору афрон бир қиёматдан нишон, Бу кеча хандонларини тонгла гирён айлади.** **Нодира.** **Тонгла кунда эртаси, келгусида; кейинчалик.** **Тонгла қиёматда (ёки маҳшарда) бўлгуси қиёматда, маҳшарда, охиратда.** **Уҳ, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз қўйни ҳайдаш — нуқул азоб.** **Энг гуноҳкор бандога тонгла қиёматда бунчалик азоб бермас танг-рим.** Ойбек, Қулгўр қон.

**ТОНГОТАР** Тонг отиш пайти; тонг, субхидам. **Тошкент тонготари на-қадар ёғзал, Чиройли, тасвирга сиз-**



мас, сермазун. Ғайратий. Тонготарга чқин бир гумбураб, ер силкингандай бўлди. Мирмухсин, Умид. Чоқиқ тонгтардан кун ботаргача давом этадиган бўлди. И. Раҳим, Чин мухаббат. **Тонготар ўлтириш** кечаси билан тонг отгунча давом этган ўлтириш. У ҳар сафар келганда, Аббосхон, Мурадхўжа домла, Муҳаммаджон домла ва бошқаларнинг иштироки билан тонготар ўлтиришлар бўлиб турарди. А. Қаххор, Сароб. **Тонготар қилмоқ** бирор машғулот билан тонг оттирмақ. Бу кеча мароқли суҳбат билан тонготар қилдик.

**ТОНИШМОҚ** тонмоқ фл. бирг. н. Гувоҳлар терговда айтганларидан тонишибди.

**ТОНМОҚ** Қилмишини, айбини бўйнига олмай туриб олмоқ, инкор этмоқ. Гапидан тонмоқ. — *Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақабетаним йўқ-ку!* А. Қаххор, Мунофиқ. Марғилондан қайтгандан кейинги кунларингизни меҳмонхонада кечариб келишингиздан, албатта, тона олмайсиз. А. Кодирий, Ўтган кунлар. | Қимсадан нарса, қарз ва ш. к. олиб, олмадин деб туриб олмоқ. Қарзидан тонмоқ. — *[Майсара Чўпонга:] Отанг раҳматликнинг сенга васият қилиб қолдириб кетган йиғирма тилла пулига қози зийонинг тониб кетишларининг сабаби бор экан. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

**ТОННА** [р<фр] Минг килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Беш тонна юк. — *Уч йғлондир Андижон, Намангану Фарғона, Юртега айлар армуғон Миллион тонна дурдона.* Е. Мирза.

**ТОННАЖ** [р<фр] 1 Кеманинг ёки кемалар жамуининг юк кўтариш қобилияти (бўш ёки белгили юк ортилган кема сиқиб чиқарган сувнинг оғирлиги билан ўлчанган).

2 Вагон, автомобиль ва ш. к.нинг тонналар билан ифодаланган юк кўтариш қобилияти. *Адолат бўш машиналарни, албатта, орқасига қайтариб, шлагбаумни тоннажга лойиқ юки бор машиналаргагина очар эди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ТОННАЛИ** 1 Тонна оғирлигидаги. Бир тоннали тош. Юз тоннали бомба. — *Нормат виставкада турли нав бугдойларни, саксонтадан туққан наслдор чўчкалару ўн пақирлаб сўт бердиган говмиш сизирларни, бир тоннали новосларни кўрган.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 Маълум тонна юк элтадиган, кўтарадиган. *Уч тоннали машина. Эллик тоннали цистерна.* — *Йиғирма беш тоннали автокран етиб келгач, ... Ҳасанов сим арқоннинг учига қўй батареяли лампани улаб, ёндириб қўйдилар.* И. Раҳим, Тақдир.

**ТОННЁЛЬ** айн. туннель.

**ТОП** с. т. Тоб, пайт. *Шу топда. Уша топда.*

**ТОПАЗ** [р<грек] Турли рангда бў-

ладиган қимматбаҳо қаттиқ тош. *Топаз кўзли узук.* — *Мисрликлар ишиша буюмларни қимматбаҳо ёнартошларга: ёқут, зумрад, топаз, феруза, .. марварид ва бошқаларга ўхшатиб ясар эди.* М. Аминжонов, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.

**ТОПАЛОҚ:** топган топалоқники бол. ким топса, ўшаники.

**ТОПАРМАН** Кўп пул топадиган, топиш-тутиши яхши, топиш-тутишли. *Топарман эркак.*

**ТОПАРМАН-ТУТАРМАН** айн. топарман. *Топарман-тутарман одам.* — *Бош-кўзимни айлантириб қўлга олдингиз, энди хунар чиқаряксизми? Не-не топарман-тутарман йигитлар эшигимизнинг турумини бузиб, ўтарга йўл бермай юрди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ТОПА-ТУТА** рви Оз-оздан топиб, топгани билан амал-тақал қилиб. *Қарзни топа-тута узмоқ.*

**ТОПАҒОН** 1 Тез, дарров топадиган, топқир. *Топағон бола.* || *Фолчи жуда топағон экан, менинг отимни ҳеч ўйламасдан топиб берди.* «Эртақлар».

2 с. т. Топарман, топарман-тутарман. *Топағон эркак.*

**ТОПАҒОНЛИК** топағон с. мавҳ. от. *Қоля ўз гапи ўзига наша қилиб куларкан, Қудрат дўстнинг топағонлигига ҳайрон қолди: — Қойилман мияннга, адаш! Топдинг, топдинг!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТОПАН-ТАЯНГАН** айн. топан-тутган. *Отаси қаю қилиб қолди. Отанинг жамғаргани, ўзининг топан-таянгани худойи, маъракаларга сарфланди.* Ш. Топматов, Эрк қуши.

**ТОПАН-ТУТГАН** Ишлаб-кучлаб топилган, тўпланган бор-йўқ нарса; жамғарма, буд-шуд. *Топан-тутганим сизники.* — *Эндилликда қол-кампир топан-тутганини Топилга атаган, бутун вэтиמודини шу кенжа ўғилга қўйган.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ТОПИЛДИК** Топилган, топиб, излаб олинган нарса. *Археологик топилдик.*

**ТОПИЛМА** 1 айн. топилдик. *Антик даврда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг тараққий қилганлигини жуда кўп археологик топилмалар тасдиқлайди.* И. Жабборов, Кўхна харобалар сирри.

2 Ҳар қандай топиб олинган нарса. *Топилмаларни эгаларига қайтармоқ. Топилмалар бюроси.*

**ТОПИЛМАС** Кам топиладиган ёки сира топилмайдиган; нодир. *Топилмас мато.* — *Ёши йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севги тобора чуқурлаша берди. Тўйиб етилган киз энди унинг кўз олдида тенги топилмас ёғзал бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТОПИЛМОҚ** 1 топмоқ 1—5 фл. мажҳ. н. *Йўқолган китоб топилди. Ҳамма саволларга жавоб топилди. Фикр маъқул топилди. Ишнинг янги усуллари топилмоқда. Бош омон бўлса,*

дўппи топилар. Мақол. *Севги пулга сотилмас, кўнгли пулга топилмас.* Мақол. *Меҳнатсиз топилган ошдан, меҳнатда топилган тош яхши.* Мақол. — *Онам билан маним бахтимга, кутмаган жойдан муъжизадек бу мактуб топилди-да, мен хизматингизга югурдим.* А. Кодирий, Ўтган кунлар.

2 топмоқ 1—3 фл. ўзл. н.

3 *Мавжуд, бор бўлмоқ. Сизда бир варақ қоғоз топиладими? — Қоратой, бир танча пул топиладими сенда? Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бас, бу ҳийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин?* А. Кодирий, Ўтган кунлар.

**ТОПИНИШМОҚ** топинмоқ фл. бирг. н. *Мажусийлар ўтга топинишади.*

**ТОПИНМОҚ** 1 дин. Сиғинмоқ, чўқинмоқ. *Оловга топинмоқ.*

2 *кўйма Сажда қилмоқ, бош урмоқ. Пулга топинмоқ.* — *У [Зумрад] ўзининг нафис завқига бовар ишқини гапирди, маъишқининг ақлига, қалб ёғзалигига, инсоний гурурига топинди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ТОПИНТИРМОҚ** топинмоқ фл. орт. н. *Ўтга топинтирмоқ. Ўзига топинтирмоқ.*

**ТОПИШ** 1 топмоқ фл. иш опти. *Саволга жавоб топиш. Иш топиш. Сонларнинг умумий бўлуочисини топиш.*

— *Қолган хизматларингизнинг биттаси энди менга эр топиш эди.* А. Кодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай, Мастон кампир унинг ўтини ловиллатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан топилган пул. Унинг топиши яхши.* — *Кампир дарчадан [Сидиқжонга] рўпара бўлди. — Шундоқ деган бўлсам, ажаб қилибман, хўп қилибман! — деди икки қўлми сонига уриб, — уйни уй қилган эрнинг топишию хотиннинг кўрпа иши!* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ТОПИШЛИК-ТУТИШЛИК** айн. топиш-тутишлик. *[Алижон] топишлик-тутишлик бола бўлмасаям, қанотимнинг остида бўлса нима қиларкан. Мен шўрликни қон йиғлатиб кетиб қолди.* Мирмухсин, Чинқиш.

**ТОПИШМАЧОҚ** 1 кам қўлл. айн. бекинмачоқ.

2 айн. топишмоқ II 1. *Топишмачоқ йўнамоқ.*

**ТОПИШМОҚ** I 1 топмоқ фл. бирг. н. *Болалар янги йўни ўйлаб топишибди.*

2 Учрашмоқ, йўлиқмоқ; бир-бирини топмоқ. *От кишнашиб топишар, одам — эслашиб.* Мақол. — *Бу ёғи ўзинга маълум, синглим, — хўрсиниб гапида давом этди акам, — биз дадам билан қўққисдан болалар уйда топишдик.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб.

3 *Ўзаро тил топиб, келишиб бир бўлиб олмоқ, иноқлашмоқ. Уришиб қолган оғайнилар яна топишиб олишибди.* *Туққан туққан топишар, этга бало*

ёпишар. Мақол. — Николай солдатлар билан бир лаҳзада топишиб олди. А. Убайдуллаев, Конли издан. Ханифа Намозов билан ўз эркича топишмаган, балки эски урф-одат бўйича уни никоҳлаб эрга топиширган бўлсалар керак. С. Анорбоев, Мехр. Мироджон Набижонов бўлса, кувноқ, камтар бир йигит экан. Бир нафасда биз билан тил топишиб дўстлашиб олди. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

**ТОПИШМОҚ** II I Топишмақоқ ўйинида: топилиши керак бўлган нарса, ҳодиса ва ш. к.нинг рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсифи; жумбоқ. Халқ топишмоқлари. — Болалар Нуридан сўради. Нури эртақ эмас, бирнеча топишмоқ айтишига мажбур бўлди. Лекин оғзидан чиқмасдан болалар топаверди. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 кўчма кам қўлл. Тушунлиши қийин, сирли нарса; жумбоқ, муаммо. Табиат топишмоқлари.

**ТОПИШТИРМОҚ** I топишмоқ I 2, 3 фл. орт. н. Узоқ кўришмаган оғайниларни топиштириб қўйдик.

2 с. т. Топширмоқ. Хатни эгасига топиштирмоқ. — Нима иш қилмоқчисиз? — Сиз ҳозир сўраманг, аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топиштиринг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТОПИШ-ТУТИШ** Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан пул топиш ва уни жой-жойга сарф қила билиш; ишлаб-кучлаб ёки бошқа йўл билан, топилган пул. Топиш-тутушим ёмон эмас, чўнтагим тўла пул, ҳеч нарсадан камим йўқ. А. Мирзахмедов, «Қизил товушдаги эгри кавуш. [Фотима] топиш-тутуши катта бўлган бозор паттачисига турмушига чиқди. Мирмуҳсин, Умид.

**ТОПИШ-ТУТИШЛИК** Кўп пул топадиган ва уни жой-жойга сарфлай биладиган, топиш-тутуши яхши; топарман. Узининг нақ кўрсангиз ақлли-хушли, топиш-тутушлик. Ойдин, Ўзидан кўрсин.

**ТОПМОҚ** I Ногаҳон кўзи тушиб, учратиб қўлга киритмоқ, олмоқ. У [Жапак] эшиги тагидан топиб олган ҳалиги номаълум одамни гўё дарров унутган эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Ногаҳон эшитиб олиб келмоқ. Хабар топиб келмоқ. — Буви, отам нон опкептимиз? Менга жиндек беринг.— Нон қайда, жон болам! Яхши гап топиб келибди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қидириб, ахтариб, излаб керакли ёки йўқолган нарсанинг қаердалигини аниқламоқ, билмоқ, кўрмоқ; аниқлаб билиб, кўриб унга молик бўлмоқ. Йўқолган пулни чамадондан топдим. Мақоланинг керакли жойини дарров топдим. — Қани, юринг бўлмас. Раис билан котиб сизга жуда керак бўлса, топиб бераман. П. Турсун, Ўқитувчи. | Суриштириб, сўроқлаб керакли нарсага эга, молик бўлмоқ. Ўзига лойиқ иш топибди. Мен

излаган китобимни букинистик магазиндан топдим.

2 Қидириш, кузатиш, ўрганиш натижасида кашф этмоқ, очмоқ. Геологлар янги-янги ер бойликларини топишмоқда. | Ўйлаб, фикр-муҳокама юритиб, хисоблаб, таҳлил қилиб тўғри, керакли нарсани, натижани қўлга киритмоқ. Йўл топишмоқ. Саволга жавоб топишмоқ. Тенгламанинг ечимини топишмоқ. Олимлар ишининг янги, прогрессив усулини топдилар. Яхши топиб гапирар, ёмон қолиб гапирар. Мақол. — Тополмаган бўлсак, ўзингиз айтинг! — деди Шарофат чевар.— Ўзларингиз тополмагандан кейин мен айтиб нима қилай? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нусратилла рўпарасида чўяндай қорайиб ўтирган душманининг ҳақиқатларига қарши қақшатқич бир гап тополмай, ҳамон ёнади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Мели полвон хиёлат чекди, лекин кулига парво қилмагандай, дуторга аччиқ қилиб сўзлади: — Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақли одам ўтган дейдилар-у, фақат ипингни узилмайдиган қилиб ясашга ақли етмапти-да. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Меҳнат билан орттирмоқ, ишлаб-кучлаб эга бўлмоқ. Пул топишмоқ. — Гражданларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадларига .. шахсий эгаллик ҳуқуқини қонун қўриқлайди. «ЎзССР Конституцияси». Онахон, эри илгаригидан кўра анча кам топса ҳам, сира зорланмас, кўнгли тўқ, Собиржоннинг қорамойга ботиб ярқираб кетган қўлқопи билан шимини гўё роҳат қилиб ювар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Умуман иш-фаолияти, хулқ-атвори ва бошқа сабаблар туфайли бирор нарсага эга бўлмоқ, бирор нарса орттирмоқ, қозонмоқ. Обрў топишмоқ. Шухрат топишмоқ. — Шўро даврида қадрингизни топасиз, синглим,— Ўтап босиб гапирди. Ҳ. Ғулום, Машғал. Бу ўлкада қалбларнинг тоза, Ва поклари келиб учрашар. Одам топган бахтни овоза Қилиб гуллар, булбуллар яшар. Ҳ. Олимжон. Хузуржоновнинг билгани билган, у ўз одаидан топган одам эди. Мирмуҳсин, Фаршга. Юсуфбек ҳожи хотинининг сўзини бу гал ҳам эламайдир, фақат: «Қўй бер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун зини топар», деб қўядир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ташқи воқеа-ҳодиса, нарса ва ш. к.дан ёки уларнинг таъсиридан қандайдир хис-туйғу, таассурот, натижа олмоқ. Сухбатдан лаззат топишмоқ. Гапидан озор топишмоқ. Хушxabарни эшитиб, таскин топишмоқ. Йиқилиб ишкаст топишмоқ. Барака топишмоқ. — Яхши гапларни чўкса маза топадигандек, ҳамини .. чўзиб, айлантириб хотинини ялнштириб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Умуман бирор нарсадан, ишдан ўзи учун керакли нарса, натижа ҳосил қилмоқ, олмоқ. Наҳот топишмоқ. Дардида даво топишмоқ. Малҳам топишмоқ.

5 Хисобламоқ, ... деб билмоқ. Мувофиқ топишмоқ. Фикрини тўғри (деб) топишмоқ. — Қиз Аъзамни маъқул топиб, у билан учрашиб турди. Шухрат, Жаннат-қидирганлар. Биз Шохимардонда Ҳамза Ҳакимзода қабрини зиёрат қилиб, қайтишида Водилга қўншини дозим топдик. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

6 Баъзи отлар билан қўшма феъл ясади, мас. ривож топишмоқ, камол топишмоқ, қарор топишмоқ.

**ТОПОГРАФ** [р] Топография мутахассиси.

**ТОПОГРАФИК** [р топографический] Топография ва топографга оид, топография ишлари учун хизмат қиладиган, топография усуллари билан тайёрланган. Топографик белгилар. Топографик карта. — Экспедициялар қанча-қанча оғирчиликларни енгиб, янги маршрут схемалари, топография сўемкалар, геологик маълумотларни қозоғга туширавердилар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТОПОГРАФИЯ** [р<грек] Геодезиянинг ер сатҳини ўлчаши, план ёки харитага олиш билан шуғуллинадиган бўлими. Ҳарбий топография.

**ТОПОНИМИК** [р топонимический] Топонимикага оид. Топонимик тадқиқот. Топонимик карта.

**ТОПОНИМИКА** [р<грек] I Бирор жойнинг, территориянинг географик номлари мажмуи. Тошкент топонимикаси. Топонимика лугати.

2 лнгов. Лексикологиянинг географик номларни ўрганадиган бўлими.

**ТОПОНИМИЯ** [р<грек] айн. топонимика 2.

**ТОПТАЛМОҚ** топтамоқ фл. мажҳ. н. Куни билан топталган бу йўл ойна каби ярақлаб турипти. Ҳ. Нувмон, Фаслар.— Ҳа, ҳайдаяман — бошқача жавоб тополмади Зикиржон. Муҳаббатни, орзу-умидлари, бутун ҳаёти топталгандек туюлди Ҳабибага. Ф. Мусаёнов, Баҳор нафаси.

**ТОПТАМОҚ** I Оёқ билан босмоқ, эзмоқ.— Бу звено балога қолди,— деди Боқи турган ерини оёғи билан топтаб тепиб. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. | Пайҳон қилмоқ. Пода экинларни топтаб ўтибди.

2 кўчма Оёқ ости қилмоқ, поймол қилмоқ, таҳқирламоқ. Импералистлар қарам мамлакатлар халқларининг миллий ҳуқуқларини топтамадилар. — Бизни, сени қўриқлайман деб уришга кетган эрининг соф муҳаббатини топташга қандай кўнглинг бўлди? С. Зуннунова, Олов. Тугатилган синфларнинг қолган-қутганлари — босмачилар қишлоқни талон-тарож қилдилар, оталарни, оналарни қон қақша-тиб, етимларни йиғла-тиб, қизларни хўрлаб топтадилар. Э. Зокиров, Ота ўғли.

**ТОПТАНМОҚ** Ер тепиб турмоқ, депсинмоқ. Испания харитаси олдига одамлар тўпланган, ҳамма қорни ғирчиллатганича бир жойда жимгина

топтанар. эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТОПТАТМОҚ** топтамоқ фл. орт. н. Одамлар аламдан тинмай ер савалар... оптиклар экин топтаатар... хотин-халиж эса умидсиз, ваҳимда шовқин солар эди. А. Мухтор, Чинор.

**ТОПТАШМОҚ** топтамоқ фл. бирг. н. **ТОПТИРМОҚ** топмоқ фл. орт. н. Йўқолган нарсани топтирмақ. Чўп-чак айтиб топтирмақ. Йўқни керак топтирар. Мақол. ■ [Намозов] жиноятчиларни топтириб очик суд қилдирмагунча тинчимади. С. Анорбоев, Мехр.

**ТОП-ТОЗА** Жуда ҳам тоза, беғубор, соф. *Топ-тоза кийим. Топ-тоза уй. Топ-тоза ҳаво.* ■ Соғ кўёи, муздай ҳаво, топ-тоза сувларнинг қизи, Ким тегишиди, юзларингиз, қон талашган қирмизи. Ғ. Ғулом. || Сен бироздан кейин ташқари ҳовлига чиқ, меҳмонхоналарни сўпуриб, асбобларни топ-тоза қилиб қўй! Ойбек, Қутлуг қон.

**ТОПШИРИЛМОҚ** I топширмақ фл. мажҳ. н. *Топширилган вазифа ўз вақтида бажарилди. Ҳаммага ўзига лойиқ иш топширилди. Давлатга тўрт ярм миллион тонна пахта топширилди.* ■ *ЎзССР министрликлари.. ЎзССР давлат идорасининг ўзларига топширилган тармоқларига раҳбарлик қиладилар.* «ЎзССР Конституцияси». *Зиё ака билан ўғли зиндонга жўнатилдилар ва Отабек билан қутидор жаллод қўлига топширилдилар-да, шунинг ила ҳукм мажлиси талом бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 **топширмақ** 4 фл. ўзл. н. *Бошда Ҳасанали ўз эрки билан ҳукуматга топширилиб, маҳбусларга жазо келса бирликда тортиб, қутулиш мўяссар бўлса, бирга қутулишга ўйлаб қараган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТОПШИРИШМОҚ** топширмақ фл. бирг. н. *Студентлар имтиҳонларини топширишмоқда. Қолхозлар йиғилган пахтанинг саксон процентини аъло навларга топширишди.* ■ *Келиноиллари деярли ҳар куну унга [Нурига] хушхабар топширишди: «Отабой ўртага киши қўйдирипти: кичик ўғлига сизни сўратипти».* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТОПШИРИК** Қимсанинг зиммасига юклатилган иш, вазифа. *Партия топшириғи. Етти йиллик топшириқлари. Топшириқ бермоқ. Топшириқ олмоқ.* ■ *Энди депутат бўлиб, сизларнинг топшириқларингизни ҳам жонимни аямай бажараман. Ойдин, Садаганг бўлай, командир. Терговчи ҳам хит бўлди. Ахир, у бу ера ўйнагани келмаган-ку. Махсус топшириқ билан, оқни оққа, қорани қорага ажратиш учун келган.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТОПШИРМОҚ** I Қимсанинг ўз қўлига ёки ихтиёрига бермоқ. *Хатни эғасига топширмақ. Қўчма қизил байроқни бригада бошлиғига топширмақ. Ерларни вақтинча фойдаланиш учун қолхозларга топширмақ.* ■ *Чол калав-*

*ланиб ўрнидан турди: — Юра қол, қизим, ман сани кампирга топшириб чиқай. Ойбек, Қутлуг қон. Қутидор келиб, танчага ўтиради. Ўзига «монатни топширинг», деган каби қараб турган Қумушга хатни узатди: — Сенга хат. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Етказмоқ; йўлламоқ; айтмоқ. У [хотин] супага яқинлашган, Йўличи ўрнидан туриб салом берди ва онасининг саломини топширди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *Ўз қўлидаги, ихтиёридаги нарсани кимсага келтириб бермоқ, ўтказмоқ. Давлатга пахта топширмақ.* ■ *Жон болам, ёғитини оморга топширай, ҳеч нарсасига қўл урганам йўқ, терисини ҳам, ичак-чоғогини ҳам топширай, бошқасига айрибош қилиб беринг, дуо қиламан. С. Аҳмад, Ҳукм. — Сиз учун, Эргаш ака, — деди, — бир бешотар топиб бераман. Бу менинг ўзимники, ўз яроғларимни топширғанда комиссия раисидан «ўзимни қўриқлаш учун» деб тилаб олиб эдим. Айний, Куллар. | Ўз зиммасидаги нарсани, ишни, вазифани кимсага ўтказмоқ. Раисликни ўз муовинига топширмақ. Омборни бошқа кишига топширмақ. | Имтиҳон бермоқ. [Марасул:] Насиба кузда ҳамма фандан аълога топширмаса, йўл қўймайман! Насиба мени ерга қаратмайди. А. Қаххор, Оғрик тишлар.*

3 *Қимсанинг зиммасига бирор иш, вазифа юкламоқ. — Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмақчидан, уста! — Буюрингиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Заргаров:] Энди бу ёғини сенга топширдим. А. Қаххор, Оғрик тишлар. Раис содда, юмшоқ кўнгул одам — ҳамма ишни унга топшириб қўйгудай. Ойбек, О. в. шабадалар.*

4 *Таслим бўлиб, душман қўлига, ихтиёрига бермоқ, қолдирмоқ. Душман қўшинлари қалъани топшириб чиқиб кетди.*

**ТОПҚИР** I рви Марта, карра. *Овчи бирин-кетин икки топқир ўқ узди.* ■ *Ҳирот хўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда, Дарवेशали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди. Ойбек, Навоий.*

**ТОПҚИР** II Тез, дарров топадиган, фаҳми ўткир; топагон. *Топқир одам.* ■ *Бир жуда севимли, Кўнғироқли қўзиоқ; Иккинчиси «Бек» номи Зийрак, топқир, овуноқ. З. Дивёр. Топқир ит яхши хид биладиган қидирувчи ит; исковуч.*

**ТОПҚИРЛИК** топқир II с. белги оти. *Ҳа, тушунарли, чайқовчи экан, деб қарор қилдим. Шунда ўзимнинг топқирлигимга ўзим қойил қолиб қўйдим. Ф. Мусажонов, Пушаймон.*

**ТОР** I I Эни, кенглиги унча катта бўлмаган; энсиз, камбар. *Тор лента. Тор кўча. Тор йўлак.* ■ *У баланд бўйли, пешанаси тор, ўткир юзли, бети ҳам соқолидай қопқора киши. Ойбек, Қутлуг қон. | Ҳажми, сифими унча катта бўлмаган; сиққ, Тора уй*

*Киш ўчоги тор, қўп, уйинга бор. Мақол. ■ Қоратой турди, тор ва дим ҳовлида бўғилган каби, эски, айртиқ кўйлаги билан елтинди. Ойбек, Қутлуг қон. | Ушиб кенг дунё кўзимга бўлди тор! А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Зўрға сиғадиган, танага ёпишиб тирпишиб-тиртишиб турадиган, танани сиқадиган, сиққ (кийим ҳақида). Тор кўйлак. || Оёқ кийиминг тор бўлса, дунёнинг кенелигидан на фойда. Мақол. ■ Домла, бошида чамандагил дўппи, эғида калта ва тор каттак кўйлак. А. Қаххор, Тўйла аза.*

2 *Кўчма Чегараси, кўлами унча катта бўлмаган, чекли. Тор соҳа. Тор доирада қўлланиладиган сўзлар.*

3 *Кўчма Жуда қаттиқ, бахил одам ҳақида. Торга тор дунё, кенга кенг дунё. Мақол. Қўн тор қ. кўз. Фёзли тор ўтакетган бахил, ҳасис, зикна. — Ҳўжайиннинг аёлларидан пул топилиб қолар. — деди Йўличи қунони, — ё сиз, ё мен физиллаб борсак.. Уларда пул бўлади, биламан. Лекин аёлларнинг фёзли тор. Ойбек, Қутлуг қон*

◆ *Дўппи тор келиб қолди ахвол танг, мушкул бўлиб қолди. Кишининг дўпписи тор келганда, қумалоқни «кака» ҳисоблаб қолар эмиш. А. Қодирий, Обид кетмон. Юраги тор қ. юрак 2.*

**ТОР** II [ф-т] Чолғу асбобларининг тебраниб товуш чиқарадиган ипи. *Ипак тор. Сим тор.* ■ *Чолғунинг тори таранг, Мени кўрган ёв гаранг. Қандай бахтли мен, қаранг. Х. Пўлат. Мели полсон дуторини қўлига олди. Бироқ, кулоқлари ҳаддан ортиқ буралган дутор бардош бермади — узлиб кетган тордан инграгандай нидо эшитилди. П. Турсун, Уқитувчи. Аваз танбурни чертаркан, гўё юрак торларини чертаётгандай эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

◆ *Тори суст кайфи чоғ эмас; машқи паст. Тори сусайди кайфи бузилди; машқи пасади.*

**ТОР** III [ф-т] Рубобга ўхшаш сим торли халқ музыка асбоби. *Озарбайжон тори. Кавказ тори. Торни созламоқ.* ■ *Ўртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ТОРАЙТМОҚ** I Эни, ҳажми кичрайиб, сиқилиб кичик тортмоқ, энсизлашмоқ, энсиз, камбар, тор бўлмоқ. *Кўйлак ювилиб торайбди. Йўл торайиб қолбди.* ■ *Давамнинг кейинги хатидаси қора хабар билан дори дунё кўзимга торайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *Кўчма Чегаралари, кўлами қисқариб, чекли бўлиб қолмоқ, чекланмоқ. Иш доираси торайди. Ҳуқуқи торайди. Функцияси торайди.*

**ТОРАЙТИРМОҚ** торайтирмақ фл. мажҳ. н. *Кўйлак торайтирилди. Ҳуқуқлари торайтирилди.*

**ТОРАЙТИРМОҚ** торайтмоқ фл. орт. н. *Қийимни торайтирмақ. Йўлни торайтирмақ. Фаолият доирасини торайтирмақ.*

**ТОРАЙТМОҚ** торайтмоқ фл. орт. н.

**ТОРИЙ** [p] Химиявий элемент, радиоактив оқиш кул ранг юмшоқ металл.

**ТОРЛИ** Тори бўлган, тор туфайли овоз берадиган. *Торли музика асбоби. Тўрт торли танбур. Сим торли дутор.*

**ТОРЛИК** 1 тор I 1, 2 с. белги оти. *Йўлнинг торлиги. Уйнинг торлиги. Менга этик торлик қилди.* — Энди *Ғиёсиддинга Андижон торлик қилди.* С. Аҳмад, Хукм. *Одам тақдирини ҳал қилиш учун сизнинг қолипдан чиққан саволингиз торлик қилади.* А. Мухтор, Тугъилиш.

2 кўча Утакетган қаттиқлик, хасислик. [*Кувё*] *ўта зикналикдан, торликдан дамлаб ичадиган чойларини ҳам ўлаб берадиган бўлди, тийинларини туфлаб тугди.* Ш. Ғуломов, Саҳрода.

**ТОРМОЗ** [p<грек] 1 Машина, механизм ва ш. к.нинг ҳаракатини секинлатиш ёки тўхтатиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Механик тормоз. Пневматик тормоз. Velociped тормози. Тормоз педали.* — *Мукаррам тормозни босди, тракторидан тушиб, машина томонга юрди.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. *Тормоз бермоқ (ёки қилмоқ) айн.* тормозламоқ. *Станциядан ўн беш километр наридаги развездега етганда паровоз тормоз берди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдир.

2 кўча с. т. Бирор иш-ҳаракатга халаб берувчи, уни секинлатувчи нарса, ғов, тўғаноқ, тўсиқ.

**ТОРМОЗЛАМОҚ** Тормозларни ишга солиб, машина, механизм ва ш. к.нинг ҳаракатини секинлатмоқ ёки тўхтатмоқ; тормоз қилмоқ, тормоз бермоқ. *Машинани тормозламоқ.*

**ТОРМОЗЛАНИШ** 1 *тормозланмоқ* фл. иш оти. *Автоматик тормозланиш.*

2 физиол. Ташиқ таъсирдан юзага келган ғалаённинг шу таъсир давомида сусайиб, пасайиб бориши. *Шартли тормозланиш. Шартсиз тормозланиш.* — *Уйқу тормозланишининг ўзига хос формасидир.* А. Зоҳидов, Узоқ умр сирлари.

**ТОРМОЗЛАНМОҚ** *тормозламоқ* фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Поезд тездан тормозланди.*

**ТОРМОЗЛАШ** 1 *тормозламоқ* фл. иш оти. *Машинани тормозлаш.*

2 физиол. Нерв марказлари ёки аъзолари фаолиятини актив равишда сусайтириш ёки тўхтатиш. [*Мия*] *янги шартда шартсиз рефлекс билан мустақамланмайдиган дастлабки шартли рефлексларни тормозлаш билан жавоб беради.* «Анатомия».

**ТОРМОЗЛИК:** *тормозлик қилмоқ* тўсқинлик қилмоқ, ғов, тўғаноқ солмоқ. *Ишга тормозлик қилмоқ.*

**ТОР-МОР** [ф-т]: *тор-мор бўлмоқ* қақшатқич зарбага учраб йўқ бўлмоқ, маҳв ўлмоқ, ер билан яқсон бўлмоқ. *Бу бир мамлакатки, унда ирк, синф, капиталист, судхўр йўқдир, ҳаммаси*

*тор-мор бўлди ва одамлар у ерда социализм боғида бахт гулини узадилар.* Ойбек, Нур кидириб. *Аниқдирким, тез кунда Душман бўлар тор-мор.* Бу ҳаққони курашда *Улуғ доҳий бизга ёр.* Э. Дийр. **ТОР-МОР ҚИЛМОҚ** (ёки *этмоқ, келтирмоқ*) қақшатқич зарба бериб йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ер билан яқсон қилмоқ. *Душман позициялари тор-мор қилинди.* — *Шонли қизил армия отрядлари босмачиларни ва уларнинг ҳукуматини тор-мор қилди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Бизни ким писанд қилмай, яъни қилса жаллодик, Тор-мор этиб охир, қора ерга пинҳон қил.* Ғайратий.

**ТОРОЖ** [ф-т]: *торож қилмоқ* (ёки *этмоқ*) кт. таламоқ, талаб кетмоқ, талон-торож қилмоқ.

**ТОРПЕДА** [p<лат] Кемаларнинг сув ости қисмига шикаст етказиш учун қўлланадиган ўзгирар мина. *Торпеда қўймоқ.* *Душман кемасини торпедага тутмоқ.*

**ТОРС:** *торс ёрилоқ* «тарс» этган товуш чиқариб шиддат билан ёрилоқ, иккига ажралмоқ. *Пичоқ қўйиши билан қовун торс ёрилди.* — [*Зилзиладан*] *айвон ҳам қийшайиб қолган. Унинг деворлари ҳам торс ёрилган, полда девордан тушган сувоқ парчалари ётибди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Гумбура-гумбур бошланиб, ердан момақалдироқ кўтарилди, бундан гўё омон торс ёрилиб, ер ловиллаб ёнди.* И. Раҳим, Мангулик қўшиғи. **БОШИ(М)** *торс ёрилиб* (ёки *ажраб*) *кетай* деяпти боши(м) жуда қаттиқ огрияпти. У [*Ақбарали*] *ҳозир боши торс ёрилиб кетадигандек, отилиб йўлака чикди.* А. Мухтор, Чинор. **ТОРС ЁРИЛИБ КЕТГУДАЙ** бўлди ёки юраги *торс ёрилиб* кетай деяпти жуда хит, хуноб бўлди, юраги сиқилиб кетди. *Ерга киргудай бўлиб ўтирган Валиовдан ортиқ садо чиқмагач, Жўранинг юраги торс ёрилай деди-да: — мен кетдим! — деб ўридан кўзгалди.* Ҳ. Назир, Онаизор.

**ТОРС-ТОРС:** *торс-торс ёрилоқ* хар ер-хар ердан катта-катта ёрилоқ. *Паҳса қуриб торс-торс ёрилди. Қўларим совуқдан торс-торс ёрилиб кетди.* — *Қадимий чўллар, қадрдон чўллар! Ҳалқумини оқар сувга намлаёлмай ҳарсиллаб ётган бепоён биёбон тилсоҳ терисидек торс-торс ёрилиб, гиёҳ уммас экан, ақалли.* С. Қодиров, «Фарҳоддан «Ширин»гача».

**ТОРТ** [p<итал] Ёғ, шакар, тухум каби масаллиқлардан қўшиб тайёрланган бежамали кондитер маҳсулот. *Шоколадли торт.* — *Дастурхонда хонаки печеньелар, атиреул нуска торт ва турли хил мевалар бор эди.* С. Аҳмад, Кадрдон далалар.

**ТОРТИБ** 1 *тортмоқ* фл. рвдиди. *Арқонни таранг тортиб боғламоқ. Юкни тарозида тортиб бермоқ. Енгидан тортиб қўймоқ.* — *Уни чуқурдан Юсуфжон қизик тортиб олибди. Мингбоши кайфи сал тарқаган: — Э, Юсуфжон, сенмисан? — дебди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 кўм. (ч. к. билан) *Бошлаб, эътиборан. Шу бугундан тортиб...* — *Оғғимдан тортиб, башарамгача қонга бўялдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Халқ дадил боради. Айниқса хотинлар оналар жасур. Улар Николайдан тортиб, эликбошилларга қадар ҳаммани қаргашади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОРТИЛМОҚ** 1 *тортмоқ* 1—14, 16 фл. мажҳ. н. *Қир ёйиш учун арқон тортилди. Кудуқдан сув тортилди. Деразаларга парда тортилди. Ишга ёшу қари тортилди. Меҳмонларга ош тортилди.* — *Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Тош яхши чекилса, — ҳаёла чўлди тегиримончи иши, — ун майдан тортилади, нони чиройли, лавозтли бўлади.* Р. Раҳмопов, Мехр кўзда.

2 *Камайиб, камчил бўлиб қолмоқ. Сизирнинг суги тортилиб қолди.* — *Суги анча тортилиб қолган қўлминг ишмолий этази қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бариб такалар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Валля*] *Қиз чиқарадиган оналар тугун-тугун иш кўтариб келишарди, бу йил бир оз тортилиб қолди.* Ойбек; *Улуғ йўл!* *Ҳисоб-китобли, ўлчовли бўлиб қолмоқ.* *Нима ҳам бўлиб [Фотиманинг] отасининг бошига катта мусибат тушди-да, бу уйда тош-тарози анча тортилиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ТОРТИНИШМОҚ** *тортинмоқ* фл. бирг. н. *Бир фурсат сал тортинишиб тургач, ўқишларимиз, турмушимиз ҳақида очилиб гаплаша кетдик.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТОРТИНМОҚ** 1 *ўзлаб, беғонасираб* ёки бошқа бирор андиша билан ўзини тортиб, тийиб, одоб сақлаб турмоқ, ийманмоқ. *Тушунмаганларингизни ҳеч тортинмай сўраган.* П. Турсун, Уқитувчи. *Татьяна Степановна, негадир аёллардан тортиниб, ўзини қорининг кетига олиб турган Абдуллага имо қилди.* Ш. Тошматов, Эрк қўши. *Содда қишлоқ йигити такалуфни билмаса ҳам, одоб-таъзим хусусида онаси анча-мунча гапларни уқдириб юборгани учун, давлатманд қариндошининг ҳузурда овқатдан тортинишни маъқул кўрди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | (*асосан бўлишсиз ф-да*) *Тоймоқ; ҳазар қилмоқ, кўрқмоқ.* У ҳеч нарсдан тортинмайди. — *Ҳақ ва адолат пешволари ҳақни риё, риёни ҳақ дейишдан тортинмас эканлар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Ўзини четга олмоқ, қочмоқ. Одамзодки олтмишга яқинлашиб ҳам ҳаром ишга қўл урмай турулмайдиган бўлиб қолса, ундай одамдан тортиниш керак.* Мирмуҳсин, Умид.

**ТОРТИНЧОҚ** *Бошқалардан уялиб, ийманиб, ўзини тортиб турадиган, уятчан. Тортинчоқ одам.* — *Ёнма-ён пахта терайтиб у ёқ-бу ёқдан гапиришганларида қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортинчоқ, камсуқум йигит эканини сизди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ТОРТИНЧОҚЛИК** тортинчоқ с. белги оми. Тортинчоқлик қилмоқ. Тортинчоқлик билан гапирмоқ. — Садбарга қолса, бу ердаги йигитлар орасида энг ақллиши шу Лукмонча. Фақат тортинчоқлиги бор, дадил эмас. А. Мухтор, Туғилиш.

**ТОРТИШ** тортмоқ фл. иш оми. Ариқ тортиши. Режа тортиши. Жазога тортиши. — [Зайнаб:] Маҳаллий меҳнаткашлар орасида ғайратли ёшлар кўп, ўртоқ командир. Улардан ҳарбий хизматга кўпроқ тортиши керак. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Саидғози ўтиранларнинг диққатини тортиши учун томоқ қириб йўталди. С. Анорбоев, Оқсой. **Тортиш кучи** 1) айн. тортишув кучи қ. тортишув 3; 2) локомотив, электровоз, машина ва ш. книнг ҳаракат томон йўналган кучи. Паровознинг тортиши кучи.

**ТОРТИШИШ** 1 тортишмоқ фл. иш оми.

2 Тортишув, баҳс. Уларнинг орасида бўладиган тортишишини виштиб, маза қилиб кулишга ишқивозлар кўп эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ТОРТИШМАЧОҚ** этн. Никоҳ тўйида келин куёвни келгандан кейин хотинлар келин ва куёв тарафга бўлиниб, бел боғлаб бир-бирини тортишиш ўйини (бунда, одатда, куёв томон ютади). Ялли шовқин билан «тортишмачоқ» боиланди: қиз томонда гупчакдек юм-юмақ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тўшиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТОРТИШМОҚ** 1 тортмоқ 1, 2, 4, 5, 7—13, 15—18 фл. бирг. н. Қолхозчилар ариқ тортишяпти. Дорвозлар дорни тортишиб бўлишди. — [Қизлар] «Энди нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.— Жазосини тортишибди,— деб қўйди Жумагул қувонганидан. Ж. Шарипов, Хоразм. Йиғи кўнгил доғини ювар эмиш, ажаб эмас, булар ҳам анча равшан тортишиб, секин-секин гапга кириб кетишди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 Мушакларнинг беихтиёр қисқариши натижасида ҳаракатсиз қотмоқ, бужмаймоқ, акашак бўлмақ. Шоқир ота оғир хўрсинди, сўнгра бирдан «вой» деб, томири тортишган оёғини уқалай бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Қишлоқда дув-дув гап: правлениеда раис билан Ҳамдам ака тортишиб қолибди, раис янги ер очамиз деса, у қариш чиқибди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

3 Кўчма Узиникини маъқуллаш учун ҳаракат қилмоқ, талашмоқ, баҳслашмоқ.

**ТОРТИШУВ** 1 тортишмоқ фл. иш оми.

2 Илмий, адабий ва бошқа темалардаги баҳс. Қизғин тортишув. — Кампирларнинг тортишувидан завқлан-

ган Олияхон, кула-кула, уларнинг қўллари билан ушлаб аввалги қуртхонага бошлаб кирди. Н. Сафаров, Олияхон Султанова. Бир масала кўндан бери тортишувга сабаб бўляпти. И. Раҳим, Ихлос.

3 Физ. Зарралар, жисмлар ўртасидаги бир-бирига яқинлашувга бўлган интилиш ходисаси; жозоба. Жисмларнинг тортишуву. Тортишув кучи айн. тортишув 3.

**ТОРТИҚ** 1 Кимсага тухфа қилинган нарса; совға, армуғон. Байрамга муносиб меҳнат тортиқлари. — Дехқонбой, сизнинг тортиқингизни дастурхонга қўйя десам, жой ҳам йўқ. Н. Сафаров, Водиллик қахрамон. Мен икки қўлимда икки хил гулни тутиб унга [Ҳабибага] тортиқ қилдим. Айний, Эсдалиқлар.

2 Тортилган, тортиб тутиб қўйилган, тортиқлик. Парда тортиқ ойналар.

**ТОРТИҚЛИК** Тортиб, тутиб қўйилган; тортиқ. Тортиқлик дор. — Карнайлардан, зангори, қизил ва гунафша ранг парда тортиқлик деразалардан радио янграб турибди. Х. Назир, Мафтунигман, Озарбайжон.

**ТОРТМА** 1 от Столнинг, шкафининг сурилма яшиги. Столнинг тортмаси. — [Жувон] .. пулларнинг орасидан битта беш сўмликни олиб, қолганларини яна ўраб тортмага солиб қўйдида, менга қаради. С. Аҳмад, Таъзим.

2 айн. қоринбоғ.

3 сфт Тортиб чиқариладиган, сурилма. Тортма полка.

**ТОРТМОҚ** 1 Бирор еридан ушлаб, тутиб ўзига томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ. Арра тортмоқ. Эшикни тортиб очмоқ. Қўлидан тортиб турғизиб қўймоқ. — Сидиқжон тутнинг остида отнинг бошини тортиб: — Тут емаймизми? — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Анзират кампир қўти учиб ўрнидан турди, Башоратнинг ёнига келиб, унинг бошини кўкрагига тортиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Пирнафас ака рўлда ўтиради, Пөлвон эшак тортарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Бурнидан тортса йиқилгудай қ. бурун 1. | Куч билан бирор еридан ўзига томон сўриб тарангламоқ ёки судрамоқ. Арқоннинг учидан тортмоқ. Чана тортмоқ. — Кезар эдим нон излаб саҳро. Салдов тортиб, сузардим дарё. Ғайратий. Энди камарини тортиб боғлаб, «мана энди сўзлаш пайти келди» дегандай, мажлис аҳлига бир назар ташлади. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. | Шу йўсинда пастдан юқорига чиқармоқ, олмақ. Кудуқдан челақлаб сув тортмоқ. Томга лой тортмоқ. **Тортиб кетмоқ** ёки **тортиб олиб кетмоқ** 1) судраб ташиб кетмоқ. Сичқон ҳамма донни тортиб кетибди; 2) талаб, тортиқлаб, юлқиб олиб кетмоқ. **Тортиб олмақ** 1) чиқариб, суғуриб олмақ. Диваннинг тағидан гиламни тортиб олмақ. — Тулки бошини хумчадан аранг тортиб

олди. «Эртақлар»; 2) кўчма халос қилмоқ, қутқариб олмақ. Мен уни ёмон ўртоқлари муҳтидан тортиб олдим; 3) кўчма куч билан, зўрлаб олиб қўймоқ. Ҳокимиятни тортиб олмақ. — [Мадамин:] Менинг амалимни, худо берган мол-мулкимни бу дунёда ким тортиб ололади? — Йўқ, ҳеч ким.— дер эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Тортиб чиқармоқ** (ёки **чиқмоқ**) чиқариб олмақ. Қайиқни сувдан тортиб чиқармоқ. — Жиян тоға учун жавоб бермайди, деган гап бор. Энди ҳар ким ўз аравасини ботқоқдан ўзи тортиб чиқсин. С. Шокаримов, Уруг-аймоқлар. Баҳор жалалари полларни сувга тўлдириб, шולי қиғикинг кулоғидан тортиб чиқарди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Орқасига тиркалган ёки қўшилган нарсага куч, қувват, иш сарф қилиб олға юргизмоқ, юргизиб олиб бормоқ. Кема учта баржани тортиб бормоқда. Оғир составларни тортмадиган тепловоз. — Тўпалар ва зениткаларни отлар, машиналар зўрға-зўрға тортарди. Ойбек, Куёш қораймас. Аравангни торт қ. арава.

3 Физ. Зарралар, жисмлар ўртасидаги жозоба кучи туфайли ўз томонига мойил қилмоқ, сурмоқ. Магнит темирни тортиб туради. Зарралар бир-бирини тортиб туради. Мусбат зарядланган жисм манфий зарядланган жисмни ўзига тортади.

4 Кўчма ўзига қаратмоқ, мойил қилмоқ, жазб этмоқ. Диққатни ўзига тортмоқ. — Куёш, тоза ҳаво, кенг, тиниқ зангори осмон кўзларни беихтиёр тортлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Тўлақинжон .. шу кунгача Хурини сира қизиқтирмаган эди. Гарчи, Тўлақинжон чиройли бўлса ҳам, қизни ўзига тортмасди. Ф. Мусажонов, Хурин. «Бахт» унинг юриб ўрганган оёқларини яна узоқларга тортади. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

5 Бирор ишга аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, жалб этмоқ. Ишга тортмоқ. Уқишга тортмоқ. — Шаҳидбек мулла Абдурахмонни сўзга тортиди.— Нима лавозиматдалар, тақсирим? А. Қодирий, Меҳробдан чаён. «Бундай қиламан,— лабини қимирлатиб ўз-ўзига шивирлади йўлчи,— аввал шундай одамларни тортаманки, ўзимга қандай ишонсам, уларнинг дилга шундай ишонган бўлай». Ойбек, Қутлуғ қон. | Узининг ёки бирор нарсаининг таъсирига олмақ. Жазога тортмоқ. Жавобгарликка тортмоқ. — Раъно .. уйқу тортаётган кўзларини қўллари билан ишқалаб, илҳақ бўлиб ётди. И. Раҳим, Ихлос.

6 Қопламоқ, ёпмоқ, тутмоқ; киймоқ. Бетга ниқоб тортмоқ. Ойналарга парда тортмоқ. Этикни оёққа тортмоқ. — Ҳалғи хотин қисиланданми, уялганданми бошидаги оқ доқа рўмолни юзига тортиб: «қўйбер» дегандай қилиб бошини силкипти. Ойдин, Фонарь тағида.



7 Ҳаво, сув ва ш. к. оқими билан илаштириб олиб кетмоқ; сўрмоқ. *Ичига тортмоқ. Дамига тортмоқ. Гирдобига тортмоқ. Насос билан сув тортмоқ. Печь тутунни яхши тортмайти.* — Днепр гирдоби паромни ҳар қанча қомига тортса ҳам, гарқ қила олмади. Н. Сафа ов, Соҳиб чангал. Зар қоқилин телба тўлқинлар Шўхлик билан тортар ўзига. Ғайратий. | Ичмоқ. Бирор ерда нўмайи уч-ра, кўпроқ тортиб қолган қуни-ку, эртасига дарс ўлди деяверинг. Шухрат, Олтин занглас. | Чекмоқ. Тамаки тортмоқ. — Тўра чилимни қур-қур тортиб, киссасидан уч-тўрт тангани чиқариб унга узатди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Пуфлаб ёки ҳаво сўриб чалмоқ. Шинавандалари йиғилган экан, [Убинизнинг] қўлига дўмбира тутқазиди. «Уринбой бахшининг қўнғирот нағмасини торт!» деб қистаиди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

8 махс. Буғлантриб совутиш, хайдаш йўли билан тайёрламоқ, хайдамоқ. *Узудан вино тортмоқ.*

9 Улашмоқ, тарқатмоқ, қўймоқ (меҳмонларга овқат). *Меҳмонларга ош тортмоқ. Патнис тортмоқ.* — Норинни тортиб бўлгандан кейин Анорун ҳамма товоқ-қошиқларни тоза қилиб ювиб олди. Ойдин, Ҳазил эмиш.

10 Тарозида оғирлигини ўлчамоқ. *Қовунни тортиб кўрмоқ.* — Тортиб берганда ўзинглар қараб тураиндинглар? Нима энди кам деб бетинларни юласизлар? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кейин дадамнинг аҳволини ўйлаб, ақл тарозиси билан тортиб қўриб, тақдирга рози бўлдим. Ойбек, Қутлуг қон.

11 Чўзиқ нарсаларни бирор йўналишда ўрнатиб, маҳкамлаб қўймоқ, ўтказмоқ. *Кир ёйиш учун арқон тортмоқ. Дор тортмоқ.* — Раиснинг буёруғи шу,— деди у ишини давом этиб,— энг олдин Умар ақаникига сим тортиб, қаерга деса, ўша ерга лампа қўй. И. Раҳим, Ихлос. Пастки синф қизлари қизил ва кўк қоғозлардан гуллар ясаб, уларни қаноп иллар билан залнинг эшигидан саҳна атрофига узун-узун маржон қилиб тортиб ташладилар. П. Турсуни, Уқитувчи.

12 Чизмоқ, чизиқ шаклида из солмоқ; қазимоқ. *Чизиқ тортмоқ. Режа тортмоқ. Жўяк тортмоқ.* — Тога ваъдасида туриб, қаналдан ариқ торттиб қелишга одам юбормаса, ишимиз чатоқ бўлади. С. Аҳмад, Уфқ. *Сурма тортмоқ* сурма қўймоқ. *Сурма торттиб кўзига, қирмизи қўйлақни қийиб, Унатиб ханжарини қилгани қурбон келади.* Ҳамза.

13 Тегирмонда донни унга айлантирмоқ. *Ун тортмоқ. Тегирмонда буғдой тортмоқ.*

14 Камайтирмоқ, озайтирмоқ; чеклаб қўймоқ. *Пулдан бир оз торттиб қўймоқ.* — Мол дегани иймаса, танаси яйрамайди, Танаси яйрамаса,

*сутини тортади,— деди Адола хола. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.*

15 Ўзига сингдирмоқ, шиммоқ. *Чуқур сувни тортиб кетибди. Гурӯҳ сувини торттибди.*

16 Биологик, жисмоний тузилиш ёки маънавий жиҳатдан туққанларига, туғишганларига ўхшамоқ. *Қазисан, қартасан — ахир аслинга тортасан. Мақол.* — Сен кимга тортдинг-а? *Ота-онамиз қўйдан ҳам ювиш одалар эди-ку!* Е. Хаимов, М. Раҳмонов, Ҳаёт-мамат. — Бунигиз шахзодаларга муносиб,— деди Ойша хола секингина Санам отинга ўйрилиб.— *Онасига тортди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Отанга тортиб, хотин кишини хўрласанг агар, сенга берган оқ сутим ҳаром бўлади, ўғлим, билиб қўй шун!* С. Анорбоев, Меҳр. | Яқин кишиларнинг манфаатларини химоя қилиб, томонини олиб иш тутмоқ. *Даромад тақсимотида ўзига (ўзиникига) тортмоқ.*

17 Бошдан кечирмоқ, чекмоқ; хис қилмоқ, сезмоқ. *Азоб тортмоқ. Ташвиш тортмоқ. Дард тортмоқ. Хижолат тортмоқ.* — [Валихўжа тутқиб:] *Участкани сен қил-у, жабрини мен тортмайми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Рўзгордан шундай танглик тортдик-ки, гапирсам, балки ишонмайси.* Ойбек, Қутлуг қон.

18 Бирор томонга ўзгариб тегишли хусусият касб этмоқ. *Ингичка тортмоқ. Йўғон тортмоқ. Бақувват тортмоқ.* — *Бир вақтлардаги гавдали паҳлавон Қобил энди кичик торттиб кетган.* Ҳ. Фулом, Машғал.

19 Баъзи отлар билан қўшма феъл ясайди, мас. *қўшин тортмоқ, саф тортмоқ.*

**ТОРТТИРМОҚ** тортмоқ 1, 2, 4, 5, 7—12, 17 фл. орт. н. Арқон торттирмоқ. *Ун торттирмоқ. Тарозида торттирмоқ.* — *Қумрининг сўзлари халёга кетиб ўтирган Эъвозхонни ҳушёр торттириб юборди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ТОРТ-ТОРТ** с. т. 1 Талаб, тортқилаб, юлиб-юлқиб олиб кетиш; талон-торож. *Усталар келмаганлигидан кўприк қурилиши қолиб кетди. Ёғоч-тахталарни эса қимлар «торт-торт» қилиб олиб кетгани номаълум.* «Муштум», 1960, № 1.

2 Ичкиликбозлик. *Бир қуни роса торт-торт бўлган экан, эртасига бошим ҳўдди ари қамалиб қолган томоша қовоққа ўхшаб гувилларди.* «Муштум», 1961, № 24.

**ТОРТУВЧАН** кт. Кишини ўзига тортадиган, диққат-эътиборни жалб этадиган; қизиқарли. *Виставка материаллари тортувчан бўлиши керак.*

**ТОРТҚИЛАМОҚ** 1 Ҳа деб тортавермоқ; тартибсиз равишда ҳар томонга тортмоқ, тортиб-тортиб қўймоқ, ҳар томонга тортиб тўзғитмоқ. *Этагидан тортқиламоқ.* — *Ғир-ғир эсаётган баҳор шабадаси сочларини тортқилар, гул ва кўкат ҳидларини димоқ-*

*ларга урарди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

2 Талаб, ҳар томонга тортиб олиб кетмоқ. *Адолат қончилиғини очди. Унда ангишвонадан торттиб, ил, ипақларгача Сор эди. Қизлар ўз буюмларини таниб, уни бир бошдан тортқилай бошладилар. И. Раҳим, Чин мухаббат.* | Талон-торож қилмоқ; юлқимоқ. *Нафс балосига учраган айрим шоферлар «кондукторлар билан» .. тушган пулардан тортқилаш билан овера.* «Муштум», 1959, № 20.

3 *Кўйма* Ҳол-жонига қўймай ҳамма ёқдан туртқиламоқ, таламоқ, дакки бермоқ. [Йўлчи:] *Шу камбағал қариндошни тортқиламасдан тинч қўйинглар. Умид билан шу ерда юритти, шу ерда қолсин у. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ТОРТҚИЛАНМОҚ** тортқиламоқ фл. мажх. н. *Ҳар томондан тортқиланмоқ.*

**ТОРТҚИЛАШМОҚ** тортқиламоқ фл. бирг. н. *Иккиланиб тураан Умаралини йигитлар қўярда-қўймай тортқилашиб бирга олиб кетишди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ҳар ўликка, қузғун тушиб, Ғажир қўниб тортқилашиб.* «Равшан».

**ТОРФ** [р<нем] Тўқайзор, ботқоқлик ерларда ўсимликларнинг чиришидан ҳосил бўлган зич масса (ёқилғи, ўғит, хомашё сифатида ишлатилади). *Торф қазиб олиш.*

**ТОРФЗОР** [р+ф-т] Торф кўп жой.

**ТОРФЛИ** Торф кўп бўлган. *Торфли ботқоқ.*

**ТОРХОН** диал. Дархон. *Торхон ер. ТОРҒОК.* Балиқчилар туркумига мансуб, боши ва думи қора, тумшуғи узун қуш.

**ТОС** I [ф-т] Асосан кир ювиш, ювиниш учун ишлатиладиган қатта металл идиш. *Тунука тос.* — *Ҳовлилардан тосларнинг жаранг-журунлари эшитила берди.* Айний, Эсдалликлар. *Дўмбоқ ой олтин тосда Қалқиб-қалқиб чўмилир.* С. Акбарий.

◆ **Тос суяги** анат. сон суякларига таянган ва умуртқа суягини тутиб турадиган белдан паст камар суяги. **Эски тос, эски ҳаммом қ, эски.**

**ТОС** II диал. Парча, кимхоб. || *Тос тўн.* — *Қават-қават шойи кўйлақларим, духоба камзулим .. тос қапоғим, зардўзи пешана бандим ҳам бор.* Айний, Қуллар.

**ТОС** III с. т. Тоз.

**ТОСТ** [р<ингл] Қадахларга қўйилган ичкилик ва уни кўтариш олдидан яхши тилаклар билдириб айтиладиган сўз. *Биринчи тост. Тост айтмоқ.*

— *Уктам хушқайф бўлиб, кетма-кет тост кўтарди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Оқ мусалласни, Ё май чаросни Кўтарар дўстлар, Айтишар тостлар.* Шайхзода.

**ТОТ** Таъм, маза; лаззат. *Қимизнинг тоти. Тотики кўрмоқ. Мақтанчоқнинг моти чиқар, жом қозоннинг тоти чиқар.* Мақол. — *Шул сабабдан тақдир атади, Илк бўсанинг иккинчи оти. Шул сабабдан умрбод қолди Лаб-*



да ўшаё бўсанинг томи. Уйғун.] кўчма Нашъа, гашт, лаззат. Қасд этдилар унинг жонига, Раҳна солиб ўй-армония, Айирдилар ўй-бисотидан, Маҳрум этиб ҳаёт тотидан. Ғайратий.

**ТОТАЛ** [р тотальный<фр] Бенстисно барчага баравар тааллуқли, ялпи, умумий. *Тотал уруш.*

**ТОТАЛИТАР** [р тоталитарный<фр] сиёс. Зўравонлик билан характерланган, демократик озодлик ва шахс эркинлигини бостиришга қаратилган.

**ТОТИЛМОҚ** **тотмоқ** *фл. мажх. н. Овқатдан бир қошиқ ҳам тотилмади.*

**ТОТИМ** Тоғ ёнбағирларида ўсадиган, шода-шода майда гулли дарахт ёки бута (баргларида бўёқ ва ошловчи моддалари кўп бўлади).

**ТОТИНМОҚ** **Т** Овқатдан озгина емоқ, ичмоқ; андак овқатланиб, еб, ичиб олмоқ. *Овқатдан тотинган бўлди-ю, емади. Ортиқча гап ҳам гапирмади. Шухрат, Шинелли йиллар. Зумрад кўнели гаш, дилгир ўтирарди. Иштаҳасизгина ундан-бундан тотинган бўлди. Ойбек, Улуғ йўл.*

**Т** Мазасини тотиб кўрмоқ, тотмоқ. **ТОТЛИ** **Т** Таъми, мазаси яхши; мазали, лаззатли, ширин. *Тотли овқат. || Молинг зотли бўлса, елишинг тотли бўлар. Мақол. — Шавла жуда тотли туюлди — ошпасни мактадилар. Ойбек, Куёш қораймас.*

**Т** кўчма Лаззат бағишлоғчи, ширин, нашъали. *Тотли хайллар. Тотли онлар. — Бегимхоннинг кўз олдида харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши. И. Рахим, Чин мухаббат. Қайнасин дилларинг, эсиб еллар, Яна ипак каби варақ оқсин. Тотли шегрим каби севинчи сочин. Х. Олимжон.*

**ТОТМОҚ** **Т** Бир оз еб, ичиб мазасини кўрмоқ. [*Набиул Қодирча:*] *Мусаллас сузгандан кейин, қандоқ қилиб сабринг чидайди, тотиб ҳам кўрасан-да. А. Қаххор, Қанотсиз читтак.*

**Т** Овқат емоқ, ичмоқ, овқатланмоқ. *Меҳнат қилиб топаннинг — қанду асал тотганинг. Мақол. — [Гулнор] эрталабки чойдан буён уйда икки марта овқат тайёрланган бўлса ҳам, ҳеч нима тотмаган эди. Ойбек, Қутлуг қон. Уф .. итдек чарчадим. Кечадан бери туз тотганим йўқ. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

**Т** кўчма Бошдан кечириб, лаззатини, таъминни кўрмоқ, синамоқ. *Аччиқ билан чучукни тотган билур, узоқ билан яқинни юрган билур. Мақол. — Бу ердагиларнинг кўли Собир Умаров қилишининг тиғини тотиб кўрган. Х. Фулом, Машъал. Ҳой, ҳой отамиз! Тошни кесар болтамиз. Биз ҳам дунё лаззатини, Навбат келди, тотамиз! Ҳамза.*

**ТОТУВ** Ўзаро дўстона муносабатда бўлган, иттифоқ, иноқ, аҳил. *Тотув оила. Тотув болалар. Тотув бўлмақ. || Отам ўлгандан кейин Фуод афанди мени ўз ҳужрасига кўчириб туиди.*

*Никоҳ қилмай бир йилдан ортиқ тотув яшадик. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Дўстона муносабатлар асосига қурилган; иттифоқликка, аҳилликка асосланган. Тотув муносабатлар. Тотув турмуш — узоқ умр. Мақол.*

**ТОТУВЛАШМОҚ** Бир-бири билан тотув, аҳил бўлмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. *Янги ўқувчилар тезда тотувлашиб олишди. — Баъзан Жанна билан Умид тотувлашиб ҳам қолишарди, бундай пайтларда Жанна бир қадар ўз таъсирини эрига ўтказарди. Мирмуҳсин, Умид. Емонлик ўшанинг [Мусулмонқулнинг] боши билан бирга кетгандек, қипчоқ оғайнилари ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ТОТУВЛИК** **Т** тотув с. белги оти. *Мария Николаевна билан Эргашини кўпчилик эру хотин деб билар, уларнинг тотувлигига ҳавас қилар эди. А. Мухтор, Чинор.*

**Т** Тотув муносабатлар, тотув турмуш, аҳиллик. *Тотувлик билан яшамоқ. Масалани тотувлик билан ҳал қилмоқ. Тотувлик — узоқ умр. Мақол. — Соли отанинг.. уйда энди тотувлик, ҳамжихатлик ҳукм суради. С. Абдуқаххор, Олтин водийларни кезганда. Урталаридаги тотувликка ҳавасингиз келади — худди бир оила фарзандларидай, баракка топкурлар. Х. Назир, Маёқ сари. Жанглар эмас, урушлар эмас, Ғараз эмас, тотувлик керак, Зулмат эмас, ёғдулик керак. Шайхзода.*

**ТОТУВЧИЛИК** *айн. тотувлик 2.* Масалани тотувчилик билан ҳал этмоқ.

**ТОТУК** *диал.* Тотув, аҳил.

**ТОУН** [а] Одамларда ва ҳайвонларда бўладиган, кемирғучи ва бурга орқали тарқаладиган оғир юқумли касаллик.

**ТОЧКА** [р] *махс.* Тармоқланган маълум бир система таркибдаги бирор элемент, компонент жойланган ер, пункт. *Савдо точкалари. Телефон точкалари. — Пўлатжон Волков билан бошлашиб электр сими тортилаётган точкаларни кўрсани кетди. С. Ахмад, Қадрдон далалар. Биз пулемётчилар ўзимизга топширилган ориентирлар бўйича душманнинг ўнг қирғоқдаги пулемёт точкаларини, артиллерия позицияларини фалаж қилиш учун уринардиқ. А. Убайдуллаев, Қонли издан.*

**ТОШ** **Т** Яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи. *Оқ тош. Оҳасанг тош. Қайроқ тош. Йўла тош ётқизмоқ. Тоғнинг кўрки — тош билан, одамнинг кўрки — бош билан. Мақол. Ҳуз кетар, тош қолар, ўсма кетар, қош қолар. Мақол. || Тош йўл. — Сувонжон тош териб, иннинг оғзини тўлдирди. Устидан тупроқ бошиб, кетмон билан яхшилаб шиббалади. С. Анорбоев, Оқсой. Ешилик*

*чоғимда мен бир ҳикоя эшитган эдим: Хон бир беғуноҳ одамни газабига олиб, тошибўрон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин» деб, ўзи тепасида турибди. А. Қаххор, Кўшчинор. | Шундай тоғ жинсларининг зийнат буюмлари яшаш ёки уларни безатини учун ишлатиладиган навлари номи. Қўрдинеми? Бу нима? Мана бу дур, мана бу марварид. Мана бу ёнган — гавҳар. Қолганлари — ҳар хил тошлар, ёқут, зумрад. Ойбек, Қутлуг қон. [Доронинг] .. қўлидаги узун асо дастасига қадаган қимматбаҳо тошлар қоронғи кечадиган юлдузлардек норлар эди. М. Осим, Широқ. [Олимжон] бармоқларига тоши йирик узоқлар тақади. Ойбек, Қутлуг қон. | Шундай тоғ жинсидан тарашлаб ясалган, қабр устига қўйилган лаҳза, ёлгорлик. Ўнг томондаги тошга .. «Маърифатхон жаннат макон» деб ёзилган ва хижрий билан 1335 деб тарих кўйилган эди. А. Қаххор, Хотинлар. Сен бу кўрғу орқасинда Келди, ол кутганларинг! Борса борсин, қабр тошини Тангри деб тутганларинг! Ҳамза. | кўчма Шундай тоғ жинсига ўхшаш жуда қаттиқ нарса ҳақида. || Болалар епишавергач, [кампир] халтани очишга мажбур бўлди-да, лабини туриб вайсайбошлади: — Ҳаҳ, шум такалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қуртми берсам, олмайсизлар, шу тош қуртми талашасизлар. Ойбек, Қутлуг қон.*

**Т** сфм, кўчма Раҳм-шафқатни билмайдиган, қаттиқ, бераҳм, шафқатсиз. *Тош юрак. Тош кўнгли. — Отинийнинг тош қалбидан чиққан бу ёвуз нидолар Элмурод учун янгилик эмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Тўхмат қилиб қаматган ҳам қўйилди. Тошдан урмоқ. — Шарофат.. бу кеча шу ерда қолиб Сидиқжонни бу ерга боғлаган, унинг димоғини иширган нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди. А. Қаххор, Кўшчинор. | кўчма Оғирлик, вазн. Олинган мол тошдан кам келди. — Шу шанбадан қолдирмай тўйини бошлайлик; семиз қўй, ётсираб яна икки кун овқат емаса, тошини йўқотади, озиб қолади. С. Абдулла, Соғлар. Тош босмоқ 1) ҳажмига нисбатан салмоқли оғирликка эга бўлмоқ. *Қуруқ ғўзаюпа тош босмайди; 2) кўчма маълум нуфузга, аҳамиятга эга бўлмоқ. Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, пучми ёки тош босадими, дарров маълум бўлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Маълум оғирликка эга бўлган юк, нарса. Девор соатининг тоши.**

**Т** кўчма Кишини эзиб, юрагига гам-ташвин солиб турган хар қандай нарса, ҳодиса; юк. *Ғам тоши. Тирикчилик*

тоши. ■ Бектемирнинг юрагини эзган қандайдир бир тош ёғиб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. О, мусибат, шунчалар тошга оғир бўлмас! Йигит боши эгилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Зулматнинг оғир тошин, Елкамиздан иргитди, Заҳил жамолиминини Мангу еритган сенсан! Зулфия. Танқид деб таёқ билан урсалар, бошига туҳмат тошини ёғдирсалар, индамай туриб бўладими? Ш. Рашидов, Бўрондон кучли. Ажин босган юзларин Ювди оққан ёшлари. Ғазаб билан душманга ёғди алам тошлари. 3. Днёр.

5 мед. Қасаллик туфайли баъзи органларда юзага келадиган қаттиқ модда. Буйрак тоши. Тошин олдирмоқ.

6 Баъзи қўшма сўзлар таркибига киради, мас. тош босма, тош қалам, тош тахта, тош чой, тош ойна. 7 Тош (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

◆ **Оғзингга тош ёмон нафас қилган** одамга айтиладиган ибора. Яхши оғизга ош, ёмон оғизга тош. Мақол. — Худой таоло.. душманиминини ер билан яқсон қилсин, ифвогарларнинг, фитна-фасодчиларнинг оғизга тош! — деди қаландарлардан бири халойиққа. Ғ. Ғулум, Шум бола. **Тош бойламоқ** тез қайнайвермаган қозон, самовар ва ш. к. ҳақида. **Самоварингиз тош бойлади**, деб шовқин солди ичкаридан битмаси. Ойдин, Бечора. **Орқасидан тош отмоқ** киши қайтиб келмаслиги учун ирим қилиб, орқасидан тош иргитмоқ ёки орқасидан ёмонлаб гапирмоқ. **Бошида тош чакмоқ қ. бош.** [Бировнинг] бошидан тегирмон тоши юргизмоқ қ. тегирмон. **Тош қотмоқ** 1) тош-метин бўлиб қотиб қолмоқ. **Челақдаги сув тош қотиб музлаб қолибди.** — Аъзамнинг бемехр кўнгли юмшамади. Сув сепилган цементдай баттар тош қотди. Шухрат, Жаннат қидирганлар; 2) кўйма таррақдек қотмоқ, доғ қотмоқ. **Тош қотиб ухламоқ.** — Кўчаларда қатновчилар ҳам сийрак. Соқин дарахтлар остида, йўлчалар асфальтларида латта-путталарга ўралган қашшоқлар, гадоилар тош қотиб ётишарди. Ойбек, Нур қидириб. **Боши тошга тегди** тавбасига таянди, қилмишига пушаймон бўлди, тушунди. **Ошиққан ошга етгунча, боши тошга тегди.** Мақол. — [Ҳайитжон:] Бошинг тошга текканда борадиган жойингни ўйлашга бир озгина ақлинг етса, ўйлаб жавоб бергин, болам! Ҳамза, Паранжи сирлари. **Бошин тошга уриб ҳар қанча уриниб, минг дод-фарёд қилиб. Шу масалада бошингизни тошга уриб гапиринг, парвойига келтирмайди.** Ойдин, Икки кўзи шунда. **Бошинг тошдан бўлсин қ. бош.** Тошингни тер ишингни қил; юришингни қил; жунаб қол. **Менинг ишларимга аралашиб нима қиласиз? Умуман.. бу ғамўрлигингиз учун.. Раҳмат. Лекин, боринг, тошингизни теринг, дўстим!** О. Ёкубов, Мирза терак.

**ТОШ II тар.** Саккиз чақиримга яқин узунлик ўлчов бирлиги. Бир тош йўл. **Аҳмоққа Қува бир тош.** Мақол. — **Кун оғиб бормоқда. Ярим тошдан мўлроқ йўл юрилди ҳамки, бекат кўринмайди.** Х. Нуъмон, А. Шо-рахмедов, Ота.

**ТОШБАҚА** Танаси косасимон қаттиқ қобиқ билан ўралган судралувчи ҳайвон. Чўл тошбақаси. **Денгиз тошбақаси. Тошбақа косаси. Тошбақадай судралмоқ. Тошбақа қадам жуда секин, нимиллаб, судралиб юрадиган; орқада қолган. Гал ғўза парваришида судралаётган тошбақа қадам раҳбарларга келди.** Т. Мирҳодиев, Партком бонг урмоқда.

**ТОШБОШ** Дарёларнинг тубида яшайдиган майда балик.

**ТОШБҶРОН I** Қўчиб, бир-бирини суриб думалатиб шиддат билан тушадиган тошлар оқими. **Шу пайт тоғ чўққисидан катта бир тош юмалади ва йўлдаги бошқа тошларни қўприб, даҳшатли тошбўрон бошланди.** Айний, Дохунда.

2 тар. Қадимда айбдор деб ҳисобланган кишини кўкрагигача ерга кўмиб, ҳар ёқдан тош отиб қатл қилиш усули. | Умуман ҳар томондан тош ёғдириб жазолаш, уриш. **Улган, ярдор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тошбўрон»ни кучайтирди.** Ойбек, Қутлуғ қон. — **Муфти жаноблари, қора халқ уни тошбўрон қилдиришга қўймас.. Бадарга қилмоқ керак, бадарга!** — деди қозикалон. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТОШДАЙ**, эдек Худди тош каби қаттиқ, заранг, берч. **Тошдай нок.** — Кечанинг совуғи, изгири кучайди. **Бадани совуқдан муз кесилди. Чарми тошдай эски этик ичида оёқлари жонсизланди.** Ойбек, Қутлуғ қон. | **Пишиқ, пухта. Шим ҳали тошдай.** — Қоратой қишлоқ аҳоли, Йўлчининг укалари ва ҳоказо тўғрисида сўзлашиб, танчадан чой олди, дастурхон ёзиб, арпа унидан ясалган тошдай қаттиқ иккита нон қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Тошдай қотмоқ айн. тош қотмоқ қ. тош I. Уқиб битиргач, у [қутидор] даҳшат ва таажжуб ичида тошдек қотиб қолган эди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТОШЗОР** Тошлоқ ер, тошлоқ. Тошзорлар экин майдонига айлантирилди. || **Улар.. чегара участкасидан тоғ, тошзор жойдан ўтишиди.** А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ТОШИРМОҚ** тошмоқ 1, 2, 4 фл. орт. н. **Сутни тошириб юборибман. Экинга кимдир сув тошириб юборибди.** Эзманинг гапи юрагимни тошириб юборди. **Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.** Мақол. **ТОШКЕСАР** Тош кесувчи, тош йўнувчи; тоштарош, сангтарош.

**ТОШҚҶМИР** Ўсимлик қолдиқларидан юзага келган қаттиқ органик қазилма ёқилғи. **Оҳангарон тошқўми-**

ри. **Тошқўмир ҳовзаси. Тошқўмир ёқмоқ.**

**ТОШЛИ I I** Таркибида, ичида тош бўлган. **Тошли тупроқ. Тошли ер.** 2 Тузилишида қимматли тош бўлган. **Ун беш тошли сот.**

3 Тош, юк осилган. **Тошли девор соати.**

**ТОШЛИ II** Тош узунлигидаги, ... тош келадиган. **Беш тошли йўл.**

**ТОШЛОҚ** Тош босган, сертош ер; тошзор. **Машина сойдаги тошлоқдан ўзига йўл очиб кета боилади.** С. Анорбоев, Колхоз кишилари. **Мош кургур, билмадим қайси тошлоқда битган эканки, ҳа деганда очили бермади.** Ғ. Ғулум, Шум бола. **Кузда дарё дафъатан саёз тортиб, ўзанинг тошлоқ жойларида ўткир қояларни яланғочлаб кетади.** А. Мухтор, Чинор.

**ТОШМА** Ташқи таъсир (иссиқ, совуқ) ёки ички сабаблар (қасаллик, модда алмашинувнинг бузилиши) натижасида баданга, шиллиқ пардаларда пайдо бўладиган хол-хол доғлар, пуфакчалар, чиқиллар. **Терлама тошмаси. Қизамиқ тошмаси.**

**ТОШМАЛИ** Баданда тошма пайдо қиладиган. **Тошмали терлама.**

**ТОШ-МЕТИН** Жуда ҳам қаттиқ, метиндай қаттиқ; метин, заранг. **Тош-метин ер.** — [Шербек:] **Ишқомларнинг орасига дори септириб, тракторда ҳайдатмоқчиман. Ўзим тош-метин бўлиб кетган экан.** С. Анорбоев, Оқсой.

**ТОШМОҚ I** Қирғоқдан ошмоқ, қирғоқдан ошиб атрофга ёйилмоқ, атрофни босмоқ. **Ҳовлига сув тошиб кетибди.** — **Ер ислоҳотидан кейин бир йил дарё тошиб экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.** А. Қаҳқор, Қўшчинор. **Фозил Йўлдош жанга тайёр, Армиям, Ёв устиза денгиздай тош, Армиям!** Фозил шонр. | **Қайнаб, кўприб, кўпчиб идиш четидан ошиб чиқмоқ. Олияхон ташқари зийшқон ҳовлига кириши билан дарҳол қозонда тошаётган сутга кўзи тушди.** Н. Сафаров, Олияхон Султонова. **Олов четига қўйилган қора кўмғон шақиллар қайнаб тошди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Вали ака етилган, у ер-бу ерда чаноқлардан тошиб чиқиб тўкилган оппоқ пахталарга шукроналик билан қараб.. қолди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **кўйма Жўш урмоқ, ошиб кетмоқ. Ғазаби тошди.** — **Тўлават повлоннинг кўзлари чакнаб, ғайрати тошиб кетди.** С. Анорбоев, Оқсой. **Тўлиб тошмоқ** 1) лиммо-лим тўлиб қирғоқдан ошмоқ, худудига, чегарасига сиғмай қолмоқ. **Юраклар қувонч билан тўлиб тошган.** — **Мотамлар тарихи ўтда ёнганда, Ишчилар: — зафар, — деб сигналлар чалди. Ариқлар қон билан тўлиб тошганда, Йўқсиллар қўлларга байроқлар олди.** Х. Олимжон; 2) дард, алам ва ш. к.ни ичига ютавериб, чидаб сўнг даражага етмоқ. **Урмонжой хўп ҳам тўлиб тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди.** А. Қаҳқор, Қўшчинор; 3) жуда кўп бўлмоқ, тикилиб, ачиб-

-бижиб ётмоқ. Қўлғамада хатолар тўлиб тошиб ётибди. Юраги (ёки ичи) тошди жуда зерикди, юраги сиқилди, хит бўлди. Тожибой таажжубда қолиб, бошини ликиллапти: — Бир ўзингиз-а? Епирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими? П. Турсун, Ҳикитувчи. Менинг имилигаганимни кўриб, болаларнинг ичи тошиб кетди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Қайнаб тошмоқ ай. тўлиб тошмоқ 1. Жапақнинг миясида саволлар қайнаб тошибди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Кўчма Тутақишмоқ, қизишмоқ. Эримдан ўқшига розилик беришини илтимос қилдим. Уша пайтда Эраш акамнинг тепа сочи тик бўлиб, .. бирпасда кўпириб тошиб-кетди. Б. Файзиев, Ойдин кечада.

4 Баданда пайдо бўлмоқ, юзага тепмоқ, чиқмоқ. Лабига учуқ тошибди. Боланинг баданига қизамиқ тошибди.

**ТОШ-ТАРОЗИ, тошу тарози** Тарози ва унинг тошлари. Сотувчиларга тош-тарози бермоқ. | кўчма Ўлчовли нарса; ўлчов. Нима ҳам бўлиб [Фотиманинг] отасининг бошига катта мусибат тушди-да, бу уйда тошу тарози анча тортилиб қолди. Мирмуҳсин, Умид. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози ҳеч қаерда машаққатсиз келадиган беҳисоб, бекитоб нарса йўқ, ҳамма жойнинг ўзига яраша машаққати, ҳисоб-китоби бор, деган маънодаги мақол.

**ТОШТАРОШ ай. сангтарош.**

**ТОШҚИН** 1 от Кучли сел, эрувчилик ва ш. к. пайтларда дарё сувларининг қирғоқдан ошиб сохил, ерларни босуви. Баҳорги тошқин. Тошқин сувлари. Тошқин ҳавфи. — Унинг доклады ва музокарага тайёрланган чолларнинг сўзларидан тошқин манзараси, бу офатнинг бутун оқибатлари ҳамманинг кўз олдига гавдаланди-қолди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 сфм Жўш урган, пишқирган, жўшқин. Тошқин дарё. | кўчма Ғайрати ичига сиймайди, ўт юрак, қайноқ. Тошқин йиғит. Тошқин қалб. — Қанча кучли, қанча тошқин бўлсан-да, Берилибсан техниканинг йўлига. Ғайратий.

3 Тошқин (эркаклар исми).

**ТОШҚОВОҚ** Овқатга ишлатилмайдиган, қобиғидан турли идишлар қилинадиган майда қовоқ.

**ТОШҚОРА ай. тасқара 1.**

**ТОҚ I [a]** 1 Иккига бўлинмайдиган, жуфт бўлмаган (бутун сонлар ҳақида). Тоқ сон. | Жуфтлаб санашда охири жуфт чиқмайдиган, бир дона ортиб қоладиган. Енғоқ тоқ чиқди. || Жуфтими-тоқ ййнамоқ.

2 Жуфти, шериги, тоқаси бўлмаган; жуфтсиз, ёлғиз. Совға деган тоқ бўлмади. — Кейинги йили Бозорнинг деҳқончилик ишлари бурунгидай аваж олмади, чунки ҳўкизи тоқ, ўзи ёлғиз. Айний, Дохунда. | Хотинсиз ёки эрсиз. Дунёдан тоқ ўтмоқ. — Ижозат беринг, бир жононни ўзим топман,

шунча давлат билан тоқ ўтирасизми! Ойбек, Улуғ йўл.

◆ **Тоқ туёқлилар зоол.** туёғи жуфт бўлмаган хайвонлар туркуми, тоқ туёқли хайвонлар.

**ТОҚ II [a]** *архит.* 1 Винонинг эшик, дарвоза теласидаги ярим доира шаклида ишланган қисми; арка. Тилга қираверишидаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симобий салла ўраган саррофлар олдидаридаги баркашга тангаларни уйиб ўтирар эдилар. М. Осим, Элчилар.

2 ай. **Гумбаз.** — Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим. Э. Воҳидов. [Навоий:] Гулимнинг қабрига эвкан чечаклар, Очиладур бу чоқ .. оҳим чечаклар Каби кўк тоқига чирмашасинми?! Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ТОҚ III [a]:** тоқати тоқ бўлди ортиқ сабр-тоқати қолмади. Гапирсангиз-чи, деди тоқати тоқ бўлган Лутфиҳон Тожибойга, туртиб. С. Аҳмад, Мухаббат. Мухаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТОҚ IV:** тоқи лаънат с. т. ай. тавки лаънат қ. тавк. Имперализм шу даражада қурбет бўлиб кетганки, тоқи лаънатни бўйнига олиб қўйсангиз ҳам, у иблислар қутуриб, ўз биланларидан қолмаётир. Мирмуҳсин, Ҳаёт кушандалари талвасаси.

**ТОҚА [a]** 1 Жуфт холда бутунлик ташкил этувчи нарсаларнинг икки қисмидан бири, бир томони, бўлаги. «Таҳқирланган» бой ўрнидан туриб: — Батрак, қул,— деб тикувчини сўқиб, қолиплаган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди. Айний, Қуллар. Шамол шунча заптига олган эдики, эшикнинг бир тоқасини унинг қўлидан сугуриб, куч билан деворга урди-ю, деворнинг устки қавати бутунлай кўчиб тушди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бир жўра атлас ёки беқасамнинг ҳар бир бўлаги. Бир тоқа атлас. Беқасамнинг бир тоқаси.

**ТОҚАЛАШ диал.** Яганалаш. Ота-боболаримиздан бери ғўза тоқалаш давом этиб келаяпти. «Тоқалаш», яъни тоқ қолдириш. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ТОҚАТ [a]** Чидаш, бардош бериш қобилияти; сабр-бардош, чидам, тўзим. Тоқат билан кутмоқ. Тоқат билан гапига кулоқ солмоқ. Тоқати тугади (битди, тамом бўлди). — Сен бўлмасан, менда тоқат қайдадир, Тоғ чидамас отаненинг фарёдида! «Равшан». Очиғини айтсам, китоб ўқшига тоқат йўқ. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Раҳим саросимага тушди. Тўғриси у, газетадаги карикатурани кўрган-у, материални охиригача ўқшига тоқати бўлмаган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Сизнинг ҳар бир гапингиз биздек оми одамларга ўрناق бўлиши керак. Аммо сиз баъзан шундай гапларни гапирасизки, эшитишга тоқат қол-

майди. П. Турсун, Ҳикитувчи. Уйда ҳеч ким йўқлигини била туриб, ўзингизни четга тортасиз.. Бу ва юзингизни кўришга тоқатим йўқ, деганингиз бўлади. А. Қодирий, Ҳўган кунлар. Тоқати тоқ бўлди қ. тоқ III. Тоқат қилмоқ чидамоқ; бардош бермоқ. Исикққа тоқат қилмоқ. Тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол. — У [Сатторқул] кетгандан кейин Сидиқжон ортиқ тоқат қилолмай, онасига ёрилди, воқеани айтиб, Зуннунхўжанинг уйини елкаминг чуқури кўрсин, деди. А. Қаххор, Қўшчинор. Қалит топила бермаган, маҳдумнинг тоқати тугади, чиқиб қизлар ичидан Раънони чақирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТОҚАТЛИ** Тоқат қила оладиган, чидамли, тўзимли. Тоқатли киши. — Аввало, йиғит киши сабрли, тоқатли бўлади. Иккинчидан, мард бўлади. Р. Раҳмопов, Мехр кўзда.

**ТОҚАТЛИЛИК** оқатли с. белги оти. Қийинчиликларни тоқатлилилик билан енгамоқ.

**ТОҚАТСИЗ** Тоқат қила олмайдиган; тоқати йўқ, бетоқат, чидамсиз, тўзимсиз. Тоқатсиз одам. || Тоқатлига тоғлар эзар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини. Мақол. — [Бозорқул] тоқатсиз тўлганиб, касалман, мени ёмон дард чалган, деб пичирлади, яна тўлганди, заиф товуши билан фарёд қилди. А. Мухтор, Чинор.

**ТОҚАТСИЗЛАНМОҚ** Тоқати тугаб, чидай олмай безовталанмоқ, бетоқат бўлмоқ. Оғриқдан тоқатсизланмоқ. Ҳаяжондан тоқатсизланмоқ. Тоқатсизланиб кутмоқ. — Ойқизнинг ёнида турган Погодин тоқатсизланиб сўради. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ҳасан овчи ётаган ерида тоқатсизланиб бир ағдарилди-ю, ёнбоқлаганича Майнага тикилиб қолди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТОҚАТСИЗЛАНТИРМОҚ** тоқатсизланмоқ фл. орт. н. Яллачиларнинг куйи ташқаридаги эркаларни — кўёвнинг ўртоқларини тоқатсизлантирди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ТОҚАТСИЗЛИК I** тоқатсиз с. белги оти. Тоқатсизлигидан ўқшини ҳам эплай олмайди.

2 Тоқати тоқ бўлган ҳолат; бетоқатлик. Тоқатсизлик қилмоқ. — Қамчининг келишини тоқатсизлик билан кутиб турган Қумри, қўлини силкитиб, қичқирди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ТОҚИ [a]** 1 ай. **васса.** Бу уй илгарии бедархона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, тоқаси ҳам йўқ, тоқаси ҳам йўқ эди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

2 Қоровулларнинг шақилдоғи. Бозор томонда қоровулнинг тоқаси шақиллади. С. Анорбоев, Мехр. [Гулбодом] узоқдан қоровул тоқасининг овозини эшитди. С. Қароматов, Бир томчи қон.

3 Қўйлакнинг елка қисмига ичидан қўйилган астар. Тоқи қўйлакнинг елкасини тез йиртилишдан сақлайди.

◆ **Тоқи санаб ётмоқ I)** ухлай ол-

май тунни бедор ўтказмоқ. Қўзимга ҳеч уйқу келмади... Ҳеч бўлмаганидан кейин шипга қараб, тоқларни санай бошладим. Ойдин, Фонарь тағида; 2) кўчма бекор ётмоқ. — Наҳотки, талтайиб ётишга келган бўлсам! — деди Зайнаб, эътироз билдиргандай, қошига келган Комилага, — ҳорганим йўқ уйқусиз, тоқи санаб ётишни ёмон кўраман. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТОҚИДОР** [a+ф-т] айн. **тоқили**. Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ ғишт билан кўтарилган, олди тўрт устун, тепаси тоқидор .. қадимий айвонда ўтириб кейинги бир ой ичидаги «кирим» ва «чиқим»ларини хомийт қилди. Мирмуҳсин, Чиниқш.

**ТОҚИЛИ** Шипига тоқи терилган; вассали. Ҳовмининг икки томони бўғот иморат; катта чорхари, шифти рангдор тоқили, деворлари гангли меҳмонхоналар. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТОҚИ-РАВОҚ** айн. **тоқ-равоқ**.

**ТОҚЛИ** Тоқи, арқаси ёки гумбазни бўлган; гумбазли. Узоқда ойдин ва сокин кечада Ҳиротнинг етти тоқли жомеи яна ҳам муаззам туюлар эди. Ойбек, Навоий.

**ТОҚ-РАВОҚ**, **тоқу равоқ** Ҳашаматли бинолар, данғиллама уйлар. Узганине тоқу равоқидан, ўзининг айвонинг яхши. Мақол.

**ТОҒ** 1 Ер сиртининг текисликка, тепаликка ёки бошиқ баландликка нисбатан баланд кўтарилган қисми. Урол тоғлари. Тоғ тизмаси. Тоғ жинслари. Тоғнинг кўрки — тош билан, одамнинг кўрки — бош билан. Мақол. Қўринган тоғнинг йироғи йўқ. Мақол. — Лагерь тоғ тағига жойлашган. Шарқ-жанубий томон айлана кетган тоғ. Шухрат, Шинелли йиллар. Жанубдан, кенг ва яхши бағирли Аравон тоғидан аллаловчи .. салқин, сарин шабада эса бошлайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Узоқдан қорайиб кўриниб турган тоғ ўрқачига тўлини ой миниб олди. Х. Фулом, Машъал. | Шундай жойлар қазилма бойликлар манбаи сифатида. У ерда тоғ қазувчилар дастлабки кунги ғайратлариға ғайрат қўшиб, қийқиритиб тоғ қазийётган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Аҳоли яшайдиган тоғли жой, ўлка, район; тоғлик. Урганишда ҳам гап кўп. Отанинг ўзи айтди-ку, у тоғда туғилиб, тоғда ўсган. Ҳа, у тоғнинг ўз одами. С. Анорбоев, Оқсой. [Йўлчи] ёшликда пода боқиб юрган чоғларида, қамшидан, ҳар хил тоғ ёғочларидан най ясар .. эди. Ойбек, Кутлуг қон.

3 Кўчма Нарсаларнинг баланд уюми. Ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди. Мақол. — Умид куз мавсумидан, гурури нахта тоғидан. С. Абдулла. Дам ўтмасдан тўлдириб этак, Нуқра тоғин уяман баланд. Ғайратий.

4 Кўчма Оғир юк, машаққатли иш, ташвиш, ғов ва ш. к. ҳақида. Ғам тоғи. Елкадан тоғ ағдарилгандай бўлди. — Отабек гўё тоғ остидан қолган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаммангиз

пойгада бўлдингиз ғолиб, Тоғ келса кўтарган пахтакор ўртоқ! А. Пўлат. Кўкрагида тоғ кўтарган, Тантис дехқон ўзбегим. Э. Воҳидов.

5 Бавъзи қўшма терминлар таркибига киради, мас. тоғ райхон, тоғ сабзи, тоғ терак, тоғ узум, тоғ чумчуқ.

◆ **Ишонган** (ёки суянган) тоғи бирор кимсанинг орқа қилиб юрувчи киши, хомийси. **Бирн боғдан (келса), бирн тоғдан (келади) қ. боғ. Тоғ этмоқ** жуда ҳам кўтармоқ. Вақтим чоғ этган — Ватан севгиси! Қўқим тоғ этган — Ватан севгиси! Э. Мирза.

**ТОҒА** 1 Аёлнинг ака-укалари (ушнинг болаларига нисбатан). Ҳомид, бир турли вазиятда, ер остидан жиянига қаради. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзидан катталарга мурожаат формаси. Тоға, поезд соат нечада жўнайди? — У .. ҳар бир ишда маслаҳатгўй, барча катта-кичик «тоға» деб хурматлайдиган Юсвали чол эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТОҒАЙ** Бавъзи органларни бириктирувчи эластик тўқима. Бурун тоғайи. — Кулоқ супраси тоғайдан иборат бўлиб, тери билан қопланган. «Анатомия».

**ТОҒДАЙ**, «дек 1 Тоғ каби юксак, баланд. Котловандан чиққан янги нам тунроқ тоғдай бўлиб турибди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Кўчма Тоғ каби оғир юк бўлиб. Шаҳлосини кўрмади ортиқ Тоғдай эзиб ташлади фироқ. Т. Тула. У .. тоғдек босиб ётган «орзуни» ағдариб солган ва қушдек энгил тортеган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўчма Улкан, зўр, катта, буюк, улуг. Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз. Ғ. Фулом. Элмуроднинг қалбини бу хат эзиб юборди. Онасининг тоғдай юраги, қушдай уссиқ меҳри олдида ўзини ожиз сезгандай бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қишлоқдаги жиянигининг ўғлими? Тоғдек йиғиб бўлипти. Ёшлигида ҳам бўлали бола эди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ТОҒЛИ** Тоғлар билан қопланган, тоғлари кўп бўлган; тоғи, тоғлари бор. Тоғли мамлакатлар. — Эрта куз жаласи тоғли жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёлғир суви темир йўлининг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТОҒЛИК** 1 Тоғли жой. Тоғликда яшамоқ. — Менинг совғам тинч гўшада, тоғлик қўйнида, Ухлаб ётган гўдакларнинг сокин уйқуси. Ғайратий.

2 Тоғли жойда яшовчи киши. Кавказлик тоғликлар.

**ТОҒОЙИ** эск. кт. айн. **тоға**. Обрўли тоғойилари .. ҳам бирин-бирин мавқеларини йўқотдилар. Ойбек, Навоий.

**ТОҒОЛЧА** 1 Олчадан йирик олхўридан майда мевали дарахт.

2 Шу дарахтнинг нордон меваси. Сарик тоғолча. Тоғолча мураббоси.

**ТОҒОРА** [ф-т тағор] Катта чуқур

тўғарак идиш. Хамир тоғора. Кир тоғора. Бир тоғора ош. — Ёрмат қизидан хурсанд бўлди.. Пичоқ, қайроқ тоғори ва гўшт-мой солиши учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди. Ойбек, Кутлуг қон. Қози тоғорадай салла остидаги хум калласини ликиллашиб ҳиринглади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТОҒОРАЧА** Кичкина тоғора. Тунука тоғорача. — Хотин жўхорини тўйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб дўнғиллади. А. Қаҳҳор, Анор.

**ТОҒ-ТОШ**, **тоғу тош** Тоғли жой ва ундаги тоғлар, тошлар. Тоғу тошини сўз бузар, эл орасин сўз бузар. Мақол. — Тоғ-тошлар орасида яшириниб юрган бир йиртқични қўлга тушириш осон эмас, жуда усталлик билан ҳаракат қилиш лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТОҒ-ТОҒ** 1 Тоғдек уюлган, тўп-тўп, кўп. Катта тик ариқ, Икки лаби тоғ-тоғ тунроқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шундоққина қурилишга яқин жойда тоғ-тоғ ғишт очиқ ҳавода уюлиб ётибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Севдим сени чаман водийда, Ғабалар созин чалибсан. Довруқ солиб улуг Ватанга Тоғ-тоғ пахта териб олибсан. Ғайратий.

2 Кўчма Чексиз кўп, битмас-туганмас. Ох, қани эди, у тирилса-ю, бир кўрсам! Тоғ-тоғ ҳасратларимни унга айтиб ёзсам! Х. Фулом, Машъал.

**ТРАВМА** [р<грек] Жисмоний ёки маънавий шикаст, лат. Мия травмаси. Ишлаб чиқариш травмаси.

**ТРАВМАТИЗМ** [р] Бирор муҳит, фаолият соҳасига боғлиқ бўлган шикастлар, травмалар. Машиий травматизм. Ишлаб чиқариш травматизми.

**ТРАГЕДИЯ** [р<грек] 1 Драманинг бир тури — ҳаётий кучлар, қарама-қарши характерлар, эҳтирослар ўртасидаги кескин кураш, конфликт асос қилиб олинган ва кўпинча қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайдиган фожиали асар. Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси.

2 Дахшатли воқеа, ҳодиса; муд-хаш ахвол; фожиа.

**ТРАГИК** [р трагический] 1 Трагедияга, фожиали драматик асарларга оид; трагедияга хос бўлган. Трагик асар. Трагик жанр. Трагик актёр.

2 Фожиали, ғаже. Тешабой камбағалларнинг ўз болаларини боқолмай бойларнинг эшигига ташлаб, «оталик ҳуқуқини» уларга ўтказиб кетганлари ҳақидаги трагик воқеалардан анчагина гапириб берди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ТРАГИКОМЕДИЯ** [р] Фожиали комедия; ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган драматик асар.

**ТРАГИКОМИК** [р трагикомический] Трагикомедияга оид; ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган. Трагикомик асар.

**ТРАДИЦИОН** [р традиционный] Традицияга, анъанага айланган, анъана-

вий. *Традицион пахта байрами. Қардош республикалар ёзувчиларининг традицион учрашувлари.*

**ТРАДИЦИЯ** [p<лат] айн. аъна. Пролетариатнинг революцион традициялари. Классик адабиёт традициялари. Традицияда айланмоқ. — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар традицияларига амал қилувчи комсомол ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлиги ва ишга содиқлиги билан кучлидир. «ВЛКСМ Устави».

**ТРАЕКТОРИЯ** [p<лат] Ҳаракатдаги нуқта ёки жисмнинг текисликдаги, фазодаги йўли, изи. *Ҳаракат траекторияси. Снаряд траекторияси. Ернинг сунъий йўлдоши траекторияси.* — Жисм ҳаракатланаётган чизиқ ҳаракат траекторияси деб аталади. «Физика».

**ТРАКТ** [p<лат] Катта йўл. Катта Ўзбекистон тракти. Сув тракти. — Шаҳар чеккасидаги сўнги уйлар ҳам орқада қолиб кетди, машина тезлигини ошириб, қор босган чўл трактидан учиб борарди. К. Файзуллин, Йўл.

**ТРАКТАТ** [p<лат] Айрим масалага бағишланган илмий асар. *Фалсафий трактат.*

**ТРАКТЁР** [p] Ўтмишда Россияда: паст даражали ресторан ва шундай ресторани бўлган меҳмонхона.

**ТРАКТОР** [p<ингл] Кишлоқ хўжалик ва бошқа хил қуроолларни тортувчи ва юк ташувчи ўзи юрар машина. *Ғилдиракли трактор. Гусеничали трактор. Ҳайдов трактори. Чоқиқ трактори. Трактор мотори. Трактор ҳайдовчиси. Ерга трактор солмоқ. Ерни трактор билан ҳайдамоқ.* — Далага трактор чиққанда, колхоз территориясида бир нарча ҳам тўқай қолмаган. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ. *Трактор шай, дала кўксига Ташлар кучли пўлат қадамлар. Ғайратий.*

**ТРАКТОРСӨЗЛИК** Тракторлар ишлаб чиқариш; соаноатнинг тракторлар ишлаб чиқарадиган соҳаси. *Тракторсөзлик заводи.*

**ТРАКТОРЧИ** Трактор ҳайдовчи киши. *Илгор тракторчи. || Тракторчи аёл.*

**ТРАМВАЙ** [p<ингл] 1 Электр кучи билан ишлайдиган шаҳар ер усти темир йўли. *Тошкент трамвайи.* — *Навоий кўчасига кун ботишдаги иморатлар узун соя тўшаб турар, ора-орадаги нур парчаларида трамвай излари, машина сиртлари ялт-юлт қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Шундай йўлнинг поезди, вагонлари. *Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб Хадрага келганда, трамвайлар паррка кириб кетмоқда эди. Шухрат, Шинелли йнлар.*

**ТРАМВАЙЧИ** Трамвай ходими, трамвайда, трамвай паркида ишловчи киши.

**ТРАМПЛИН** [p<фр] 1 Узоққа ёки баландга сакраш учун асалган махсус мослама. *Зал махсус волейбол ўйнаш учун яроқсиз бўлса ҳам, .. конь, козёл,*

*трамплин.. ва бошқа спорт инвентарлари бир четга йиғиштириб қўйилган эди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.*

2 *Кўча* Бирор ишни бошлаб юбориш, хужум қилиш, сакраб ўтиш ва ш. к. учун қулай жой, ўрин. *Сиз худбин одамсиз. Курилиш сиз учун трестдаги ваъда қилинган ўринга сакрашга бир трамплин, холос. А. Мухтор, Тугилиш.*

**ТРАНЗИСТОР** [p<ингл] 1 Электрик сигналларни кучайтирувчи ярим ўтказгичли электрон асбоб, элемент.

2 с. т. Транзисторли приёмник.

**ТРАНЗИСТОРЛИ** Транзистор ўрнатилган, транзистори бўлган. *Транзисторли приёмник.*

**ТРАНЗИТ** [p<лат] 1 Бир мамлакатдан, жойдан иккинчи бир мамлакатга, жойга улар ўртасидаги мамлакат, жой орқали пассажир, юк олиб ўтиш, ўтказиш. *Транзитга йўл бермоқ. Транзит ҳуқуқи. || Транзит билет. Транзит пассажир.*

2 Оралик пунктларда юкни туширмасдан, бошқа транспорт воситаларига ортмасдан тўппа-тўғри олиб ўтиш, ўтказиш. *Юкларни транзит қилиб (транзит билан) юбормоқ.*

**ТРАНСКРИПЦИОН** [p транскрипционный] Транскрипция (1, 2)га оид. *Транскрипцион белги. Транскрипцион система.*

**ТРАНСКРИПЦИЯ** [p<лат] 1 лингв. Бирор тилдаги нуқт товушларининг талаффузини шартли белги ва ҳарфлар воситасида аниқ акс этгириш; шу мақсад учун хизмат қиладиган белгилар системаси. *Фонетик транскрипция. Диалектологик тадқиқотларда транскрипциядан фойдаланиш.*

2 айн. транслитерация.

3 муз. Бирор соз ёки овоз учун мўлжаллаб ёзилган музыка асарини бошқа соз ёки овоз билан ижро этиш учун қайта ишлаш.

**ТРАНСКРИПЦИЯЛАМОҚ** Транскрипцион белгилар билан ёзмоқ, оддий ёзув белгиларини транскрипция белгилари билан алмаштириб кўчиarmoқ. *Текстни транскрипцияламоқ.*

**ТРАНСКРИПЦИЯЛАНМОҚ** транскрипцияламоқ *фл. мажх. н. Транскрипцияланган текст.*

**ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ** [p<лат] Бирор ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан бериш, кўрсатиш. *Европа номларининг ўзбекча транслитерацияси.*

**ТРАНСЛЯЦИОН** [p трансляционный] Трансляцияга оид, трансляция учун хизмат қиладиган. *Трансляцион радио эл.*

**ТРА..СЛЯЦИЯ** [p<лат] Музыка, тасвир, нуқт ва ш.к.ни радио, телевидение, симли алоқа воситаларида масофага узатиш, эшиттириш, кўрсатиш. *Опера радио орқали трансляция қилинди. Футбол ўйинининг трансляциясини кўрмоқ.*

**ТРАНСПАРАНТ** [p<фр] 1 Шюор ёзиб, расм, сурат солиб рамкага тор-

тилган, одатда орқа томонидан нур тушириб ёритилган мато ёки қоғоз. *Бир кундан кейин дала шийпонида шундай бир катта транспарант пайдо бўлди: «Пахтакор, мана шу беш кунликда олган мажбуриятингни унутма!» З. Соттиев, Истеъдол.*

2 Йўғон қора чизиқлар чизилган қалин қоғоз. *Чизиқсиз қоғоз остига транспарант қўйиб хат ёзмоқ.*

**ТРАНСПОРТ** [p<лат] 1 Халқ хўжалигининг юк ва пассажирлар ташиниш билан шуғулланувчи тармоғи ва унинг воситалари. *Автомобиль транспорти. Шаҳар транспорти. — Темир йўл, сув ва ҳаво транспорти.. давлат мулкидир. «ЎзССР Конституцияси».*

2 *ҳарб.* Озиқ-овқат, қуроол-аслаҳа ва ш. к. ҳарбий анжомлар ташиндиган кема.

**ТРАНСПОРТЁР** [p<лат] 1 Юкларни жойдан-жойга тўхтовсиз узатиб турадиган қурилма; конвейер. *Лентали транспортёр.* — *[Смена мастери билан Инъомжоннинг] у ёнидан-бу ёнидан вагонетка гувауллаб югурди, оёғининг тагидан транспортёр лентаси ғиқиллаб ўтади. С. Аҳмад, Мўтти.*

2 айн. бронетранспортёр.

**ТРАНСПОРТИР** [p<лат] Градусларга бўлинган ярим доира ва чизгичдан иборат бурчак ўлчаш ва бурчак яшаш асбоби.

**ТРАНСПОРТЧИ** Транспорт ходими.

**ТРАНСФОРМАТОР** [p<лат] Ўзгарувчи электр токининг кучланишини ошириб ёки пасайтириб берувчи аппарат. *Кучланишини пасайтирувчи трансформатор. Кучланишини оширувчи трансформатор. Трансформатор будкаси.*

**ТРАНСФОРМАЦИЯ** [p<лат] Бирор нарсдаги асосий хусусиятларининг ўзгариши, ўзгартирилиши. *Ўндошларнинг трансформацияси. Организмларнинг трансформацияси. Трансформация қонциялари. Ўзгарувчан токни трансформация қилиш.*

**ТРАНСФОРМАЦИЯЛАМОҚ** Трансформация қилмоқ, ўзгартирмоқ. *Электр токни трансформацияламоқ.*

**ТРАНШЕЯ** [p<фр] 1 *ҳарб.* Мудофаа позициясининг барча ўт очиш нуқталарини бирлаштирувчи энсиз, чуқур хандақ. *Йўлнинг пастки томонида вайрона станциялар, .. узундан-узоқ траншеялар, .. стволлари ерга санчилган тўғлар .. ортда қолиб борар эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. У «взвод кела қолса эди, буларни ушлаб олардик», .. деган ҳаёлда траншеялар билан аздага жўнади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Снаряддан, бомбадан сақланиш учун қавланган ва мустаҳкамланган чуқур. Ҳар қадамда.. каламушининг уясига ўхшаган оқоқ, траншея. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 махс. Бирор мақсадда қурилган, қавланган зовур, чуқур. *Силос траншеяси. Пойдевор траншеяси. Водопровод қуевурлари ётқизиладиган траншея.*



**ТРАП** [*p* < голл.] Кема ичидаги зиналар, шунингдек кемага чиқиш-тушиш учун хизмат қиладиган махсус нарвон. *Арқон трап.* | Самолёт бортига ёндоштириб қўйиладиган махсус зина. *Самолётга трап қўйиб бўлмади. Одамлар баланддан бир-бирининг устига ёзини ташламоқда.* эди. А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

**ТРАПЕЦЕИДАЛ** [*p* трапецеидальный] Трапеция шаклидаги; кесими трапеция шаклида бўлган. *Трапецеидал резба. Трапецеидал тасма.*

**ТРАПЕЦИЯ** [*p* < грек.] мат. Икки томони ўзаро параллел бўлган, қолган икки томони параллел бўлмаган тўртбурчак.

**ТРАССА** [*p* < нем.] 1 Ерда ёки қандада канал, йўл, газ қувири ва ш. к.нинг қандай ўтишини ёки қандай ўтказилиши кераклигини кўрсатувчи чизик, из. *Самолёт учадиган трассани белгиламоқ. Тошкент метросининг трассаси. Бухоро — Урал газ қувири давримизнинг буюк трассаси.* — Канал трассасидаги ернинг юқори қатлами бир метр чамасида тошдек қаттиқ эдики, балки теккан қовиш, тошга теккандек сапчиб кетарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Катта қатнов йўли, йўл. *Мамлакатнинг темир йўл трассалари. Автомобиль трассаси.*

**ТРАФАРЕТ** [*p* < итал.] Гул, нақш солиш, безакли хат ёзиш ва ш. к. учун белгиланган ўйма андаза ва шундай андазадан фойдаланиб солинган гул, нақш. *Трафарет билан гул солмоқ. Деворларга чиройли трафаретлар солинган.* — Мен бу кишининг дидларига қойил бўйдим, аммаки, — деди *Набигулнинг* акиси, — уйларини кўйимтир бўёқ билан трафарет қилдирган эканлар, ҳафсала қилиб, чироқларига шу рангдаги абажур ҳам қўйишдилар. А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

**ТРАХОМА** [*p* < грек.] айн. шилпик 1.

**ТРЕВОГА** [*p*] Хавфли ҳолат ва ундан огохлангирувчи сигнал. *Ҳаво тревогаси. Тревога сигнали.* — Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ТРЕД-ЮНИОН** [*p* < ингел.] Англияда малакали ишчиларни ўз ичига олган касаба союзи.

**ТРЕД-ЮНИОНИЗМ** [*p*] Ишчилар ҳаракатида меҳнатқашларни сиёсий ҳарашга эмас, балки фақат иқтисодий талаблар учун курашга, яъни капитализмнинг негизига тегмасдан, ўз аҳолини яхшилаш учун курашга чақирувчи оппортунистик оқим.

**ТРЕД-ЮНИОНИСТ** [*p*] Тред-юнионизм тарафдори.

**ТРЕД-ЮНИОНИСТИК** [*p* тред-юнионистский] Тред-юнионизмга, тред-

-юнионистларга оид. *Тред-юнионистик сиёсат.*

**ТРЕК** [*p* < ингел.] Турли машқ ва пойгалар учун доира шаклида қурилган махсус йўл, йўлка. *Велосипед треки.*

**ТРЕНЕР** [*p* < лат.] Тренировка машқлари ўтказувчи раҳбар. *Футбол командасининг тренераи.* — Тренер менга қўлқоп бераёттиб: «юрагинени сақла!» — деди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ТРЕНЕРЛИК** тренер с. касб оти. Тренерлик қилмоқ.

**ТРЕСТ** [*p* < ингел.] Совет Иттифоқида: бир соҳага оид бир неча корхонанинг йирик бирлашмаси ва шу бирлашманинг раҳбарлик органи. *Ошхона ва ресторанлар трести. Қурилиш-монтаж трести.* — [Тўқсанов] ошна-оғайниларнинг ҳомийлиги ва ёрдамида тери трестида заготовчиқ бўлиб кирди. П. Турсун, Ўқитувчи

2 к. Капиталистик жамиятда: монополистик бирлашмаларнинг бир тури (бу бирлашмаларга кирган корхоналар ишлаб чиқариш ва савдода ўз мустақиллигини йўқотиб, ягона бир бошқармага бўйсунди). *Молия капитали ва трестлар жаҳон хўжалигининг турли қисмларининг ўсиши тезлиги ўртасидаги тафовутни камайтирмайди, балки кучайтиради.* В. И. Ленин, Империализм капитализмнинг юқори босқичи.

**ТРИБҮН** [*p* < лат.] Оташнинг нотих ва публицист бўлган йирик жамоат арабоби. *Революция трибуни, халқ шоири, драматург [Ҳамза] ҳалок бўлади, ажойиб инсон йлдирилади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ТРИБУНА** [*p* < лат.] 1 Нотих чиқиш сўзлайдиган баланд жой; минбар. *Трибунага чиқиб сўзламоқ.* — Трибуна ёнида Ленин — Гўё залда порлади офтоб. Э. Раҳим.

2 кўча Ижтимоий фаолият олиб бориш учун восита бўлган соҳа. *Ишчи газетаси ишчилар учун трибунадир.* В. И. Ленин, Ишчилар ва «Правда».

3 Спорт ўйинлари ва намойишлар бўладиган жойларда томошабинлар ўтирадиган жойлар. *Трибуналар томошабинлар билан лиқ тўла.*

**ТРИБУНАЛ** [*p* < лат.] Оғир ҳарбий ва гражданлик жиноий ишларни кўрувчи фавқулодда махсус суд органи ва шу органининг суд мажлиси. *Революцион трибунал.* — Бу аслзодани ўртоқ Қамбарога олиб бориб топшир! *Трибунал олдида жавоб берсин!* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. У [Роҳилла] ақл тарозисиди Қаримов воқеасини кўп ўлади. Охири ҳарбий трибунал ҳукмини тасдиқлаб «Ватан хонининг жазоси шу [ўлим]», — деб қўйди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ТРИГОНОМЕТРИК** [*p* тригонометрический] Тригонометрияга оид. *Тригонометрик функция. Тригонометрик жадвал.*

**ТРИГОНОМЕТРИЯ** [*p* < грек.] Гео-

метриянинг учбурчак томонлари ва бурчаклари ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлими.

**ТРИКО** [*p* < фр.] 1 Устки кийимлар тикшиш учун ишлатиладиган жим-жимадор қилиб тўқилган жун газлама. *Костюмлик трико.* || *Трико шим.*

2 Трикотаж тўқимадан тикилган, гавдага ёпишиб турадиган спорт костюми.

**ТРИКОТАЖ** [*p* < фр.] Фабрикада илмоқлаб тўқилган мата ва ундан тайёрланган кийим (пайпоқ, кофта, шапка, қўйлақ-лозим ва ш. к.). *Ипакли трикотаж. Жун трикотаж.* || *Трикотаж кийимлар.*

**ТРИЛЛИОН** [*p* < фр.] Минг миллиардга тенг сон, минг миллиард. *Геологлар бу ерда [Кизилқумда], худди океанишунослар сингари триллионлар билан иш кўришади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТРИЛОГИЯ** [*p* < грек.] ад., муз. Бир авторнинг умумий гоёя, умумий сюжет линияси билан ўзаро боғланган уч асар.

**ТРИО** [*p* < итал.] 1 Учта ижрочидан иборат ансамбль. *Баянчилар триоси. Хонандалар триоси.*

2 Уч саз ёки уч овоз учун ёзилган музика асари.

**ТРИОД** [*p* < грек.] Уч электродли электрон лампа ёки транзистор.

**ТРИПЕР** айн. сўзак 1.

**ТРИТИЙ** [*p* < грек.] Водороднинг ядроси битта протон ва иккита нейтрондан иборат бўлган оғир радиоактив изотопи.

**ТРОЛЛЕЙБУС** [*p* < ингел.] Электр кучи билан юрадиган рельссыз шаҳар транспорт машинаси. *Троллейбус парки.* — Маҳкам троллейбусда Урдага келиб тушганда, қўйи Тошкентнинг энг чиройли биноларидан бири бўлган Мухахассилар уйи ортга тушиб борарди. П. Қодиров, Уч илди.

**ТРОМБ** [*p* < грек.] мед. Қон томирида ивиб қолган лахта қон.

**ТРОМБОЗ** [*p*] мед. Қон томирларида қоннинг ивиши ва бунинг натижасида томирнинг тўсиллиши.

**ТРОМБОН** [*p* < итал.] Паст кескин товуш чиқарадиган, товуш бандлиги сурма ёки клапанли механизм билан ўзгартриладиган духовой музика асбоби. *Ёрқин туйғуларни ифодаловчи скрипка ва флейталар куйига бора-бора контрабас ва тромбонларнинг йўғон.. оҳанглари, литаврларнинг гумбуралиши кўйишади.* П. Қодиров, Уч илди.

**ТРОПИК** [*p* < грек.] 1 Экватордан 23°27' шимолда ёки 23°27' жанубда унга параллел равишда ўтказилган икки фаразий доиравий чизикнинг хар бири; мадор. *Тропикдан ўтмоқ.*

2 Шу икки чизик ўртасида, экваторнинг икки томонида жойлашган энг иссиқ минтақа. *Тропикда яшамоқ.*

**ТРОПИК** [*p* тропический] Тропикка оид, Ер шарининг энг иссиқ минтақасига, тропикларга хос бўлган, шу ерда



буладиган, жойлашган. *Тропик мамлакатлар*. Тропик ўсимликлар.

◆ Тропик йил баҳорги кун-тун баварварлашган пайт билан иккинчи баҳордаги худди шундай пайт ўртасидаги вақт оралиғи, давр.

**ТРОПИКЛАР** Тропикда жойлашган ерлар, тропик мамлакатлар, ўлкалар.

**ТРОПОСФЕРА** [*p<грек*] Ер атмосферасининг 9—11 км.гача бўлган қуйи қатламлари.

**ТРОС** [*p<голл*] 25 миллиметрдан йўгон махсус арқон, варақ. Дониёрбеков блокнотидан бир варақ йиртди-да, «Хиёл! Қандай бўлса ҳам тросни белинга боғла, бор кучинг билан унга осил, бу ёқдан тортиб ола-миз!» — деб ёзди. И. Раҳим, Тақдир.

**ТРОТУАР** [*p<фр*] Кўчанинг икки чеккасида пиёдалар учун, одатда, кўча сатҳидан баландроқ қилиб қурилган йўлка. *Кенг тротуар*. *Асфальт тротуар*. — Ғулумжон икки четиға қатор мизратерак ўтқазилган кенг кўчанинг салқин тротуарида жануб томон борар эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ТРОЦКИЗМ** [*p*] Ишчилар ҳаракатида марксизм-ленинизмга зид оқим, меньшевизмнинг бир тури.

**ТРОЦКИЙЧИ** Троцкизм тарафдори.

**ТРУБА** [*p*] 1 Сууюқлик, газ, буғ ва ш. к.ни ўтказиш учун ясалган, одатда, доиравий кесими, узун, ичи қавак маҳсулот. *Сопол труба*. *Чўян труба*. *Водопровод трубаси*. | Мўри, мўркон. *Станция шаҳарнинг ўртасида эди*. *Ўрт томонда баланд-баланд трубалардан қуюқ қора тутун буруқсиб чиқиб, кўкка интилмоқда*. И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 муз. Баланд очиқ товуш чиқарадиган духовой музика асбоби. *Труба чалмоқ*. — *Труба — мис духовой асбоблар тўдасида энг баланд (юқори), очиқ ва равшан товуш берадиган асбоб*. И. Акбаров, Музика саводи.

**ТРУБАЧИ** Труба чалувчи музикант ёки сигналчи. *Икки ўртоқ бир қўлиға ҳадаҳ, иккинчи қўлиға мезбон хотин янгигина олиб келган кабобдан олиб, энди винони ярмиғачи шимирган эди, полк трубачиси тревоға чалиб қолди*. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТРУБКА** [*p*] 1 Ингичка труба, найча. *Резина трубка*.

2 махс. Чўзиқ труба шаклидаги турли асбоблар номи. *Рентген трубкаси*. *Телевизорнинг электрон-нур трубкаси*.

3 Телефон аппаратининг эшитиш ва сўзлаш учун хизмат қиладиган қисми. [*Нодиржон*] *телефон жиринглаши билан чўчиб кетди, апил-тапил трубкани олиб қулоғига тутди*. А. Мухиддин, Чап чўнтак.

4 Тамаки солинадиган кичик косачали чекиш асбоби.

**ТРУБОПРОВОД** [*p*] Узоқ масофага сууюқлик, газ, буғ ва ш. к. ўтказиш учун қурилган узлуксиз трубалар линияси ва тармоқлари; қувур.

**ТРУБОПРОВОДЧИ** Трубопровод ўтказувчи, уни ремонт қилувчи киши, мутахассис.

**ТРУБОРЁЗ** [*p*] Труба кесадиған дастаки ёки механик асбоб, машина.

**ТРУППА** [*p<нем*] Театр ёки цирк артистлари коллективи. *Балет труппаси*. — *Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Қори Ёқубов Хамза Ҳакимзода труппасида ишлайди*. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. 1927 йилда Самарқанда ташкил топган «Кўк кўйлак» труппасига Манас Левиевни ҳам қабул қилдилар. С. Кароматов, Лирика бастакори.

**ТРЮМО** [*p<фр*] Деворга тақаб тика қилиб қўйиладиган қатта тош ойна.

**ТУБ** 1 от Таг, ост. Пақирнинг туби. *Денгиз туби*. — *Афанди енғоқнинг шохига миғиб, тубига болта урар эди*. «Латифалар». Боғнинг этак томони чуқур жарлик. Унинг тубида.. бир тегирмонча сув қишин-ёзин тўх-тамай оқиб етади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Қалб** (ёки кўнғил, юрак) туби қалбнинг энг чуқур, позик ери. *Шу митингда Мурзин ҳам бор эди*. *Роса қулоқ солиб тинглади*. *Қалби тубида қандайдир куч уйғонди*. Шухрат, Шинелли йиллар. *Элмурод унинг ёнида ўтирар ва бу сўнги кунда унга нимадир дегиси келар, лекин кўнғилининг тубида йиғилган гапларини ифодалашга пайт ҳам, сўз ҳам тополмас эди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 от, кўчма Пировард нагижа, охир, оқибат. *Сабр туби олтин*. Мақол. — *Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилмаймиз*. *Таваккалнинг туби тош, бошини урсанг ёрилади*. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 от, кўчма Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к. замиридаги нарса, асл моҳият; негиз. [*Тантубойвачча*] *биринчидан, шининг туби очилшидан ваҳимага тушди*. Ойбек, Кутлуғ қон. *Бу сўзларининг тубида жуда қатта рашик борлигини сездим*. М. Қориев, Ойдин кечалар. *Йиллар ўтган бўлса-да, соғиниш, фироқ Алами кўзларимнинг ёшин тўкмаган*. Чунки, *бу айрилиқ тубида ҳасрат — Ва андуҳ йўқ асло, қаддим чўкмаган*. Ғайратий.

4 сфт Асосий, бош. *Туб масала*. *Туб мақсад*. *Сўзнинг туб мағноси*. — *Ишчилар синфининг туб синфий манфаат ва мақсадларини ҳисобга олиб Маркс билан Энгельс инсоният маданиятининг барча ютуғ ва муваффақиятларини кунт билан ўргандилар*. «Диалектик материализм масалалари». | Асл, аслий. **Туб (жойли)** халқ ерли халқ. **Туб сифат** грам. ясовчиси бўлмаган сифат. **Туб сўзлар** грам. фақат ўзакдан иборат сўзлар. | Асосли, тубли равишда бўлган; кескин. *Туб ўзаршилар*.

5 рвш, кам қўлл. Бутунлай, мутлақо, тубдан. *Бу гап туб ёдимдан кўтарилди*.

**ТУБАН** 1 Қуйи, паст. — *Хизмат? Ўтиринглар, — ағлам тетик, айёр кўз-*

лари билан келувчиларга разм солиб, тубанроқдан жой кўрсатди. Ойбек, Улуғ йўл. || *Кема тубан оқиб боради*. *Бўрон уни қирга олади*. Э. Раҳим. *Қулмуроднинг бу сўзларини эшитган Шокир қизариб-бўзариб кетди ва нима дейишини билмасдан, бошини тубан солди*. Айний, Қуллар.

2 кўчма Мавқеи, хислатлари, сифати ва ш. к. жиҳатидан қуйи даражали; паст, арзимас. *Тубан одам*. || *Ақлга келганда, мулла Султонқулдан анча пастда, тегирмончидан эса жуда ҳам тубан туради*. А. Қодирий, Обид кетмон. **Танқиддан тубан** танқидга арзимайдиган. *Танқиддан тубан аҳвол*. 3 кўчма Разил, қабиҳ, ярамас. *Тубан ҳаракат*. — *Умидни «тубан бир инсон» ҳисоблашга, уни яхши кўрмаслик ва ҳеч қачон соғмасанлигига [Ҳафиза] ўзини ўзи ишонтиришга уринди ва лекин бари бир юраги лов-лов ёнарди*. Мирмуҳсин, Умид. *Бошқа илож қолмаган, она энг тубан ва жирканч бир «хунарга» тутинди; дўкондорларга, мулкдорларга, бадавлат одамларга янада энг дават тилаб, дайр-садақа сўрай бошлади*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУБАНГА** рвш Қуйига, пастга; қуйи томонга, пастга қараб. *Юксакдан келасиз эй, тоғ сувлари, Садаф чўққиларнинг юзини ювиб*. *Қумушдек чехрангиз тортар ниғоҳим*, *Чопасиз тошларни тубанга қувиб*. Ғайратий.

**ТУБАНДА** рвш Қуйида, пастда. *Бу ҳақда тубанда сўз боради*. *Тубанда келтирилган мисоллар*. — *Шунинг учун биз аёллар бундай кишиларга тегишли чора қўрилишини талаб эта-миз, деб тубанда қўл кўювчилар*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУБАНДАГИ** Қуйида айтилган, зикр қилинган, кўрсатилган, қуйидаги. *Тубандаги фактлар*. *Тубандаги рақамлар*.

**ТУБАНЛАШМОҚ** 1 кам қўлл. Пастлашмоқ, пастроқ тушмоқ. *Булулар тубанлашиб дарахт чўққиларини қоплади*.

2 кўчма Пастлашмоқ, разиллашмоқ, тубанликка, разолатга юз тутмоқ.

**ТУБАНЛИК** 1 Паст жой, пастлик, Содиқ қўлидаги ханжарини бир-икки қайта солиб кўрса ҳам, тегириши учун кесманинг тубанлиги халал берди, лекин ўзи тетик эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Пастлик, пасткашлик; жирканч, тубан хатти-ҳаракат, разолат. *Пасткаш ишлар билан шуғулланидиган кимсалар, бағзан шухратга муқкасдан кетган одамлар шундай тубанликка бориб, кишиларни алдайди, қаллоблик қилади*. Мирмуҳсин, Умид. | Разолатли ёки хўрликда кечирилган ҳаёт. *Холниса минг тубанлик, минг хўрликда бола кўрди*. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тубанлик ер билан яқсон*, *Кўтарди қаддини инсон*, *Шарафла порлади олам*. Ғ. Ғулум. **Тубанлик билан** 1) пасткашлик билан, разилона.

Султонали .. ярим жиддий қилиб мулла Абдурахмон ва муфти бечораларнинг ақлига етё шундан бошқа пастлик ва махсарароқ фикр келмаган, шу қадар аҳамиятсиз, тубанлик билан етё бу олмақчи бўлган руҳида сўзлаб борди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) ўзини паст тутиб, камгарлик билан, камтарона.

**ТУБДА** *рвш* Бутунлай, мутлақо, сира. Менинг бундан тубда хабарим йўқ.

**ТУБДАН** *рвш* Бутунлай, тубли равишда, таг-туги билан, жиддий равишда. Аҳвол тубдан ўзгарди. Иш тубдан қайта кўрилди. — Ҳа,— деди у,— мен ҳам касал эмасман. Касал эмасман, энди тушундингизми? Умида ундан кўп мартабала эшитган бу гапнинг дахшатини эндигина тубдан пайқайди. А. Мухтор, Чинор.

**ТУБЛИ** 1 Туби, таги бўлган, тагли. Чуқур тубли дарё. Пачоқ тубли пақир.

2 *кўчма* Чуқур асосга эга бўлган, асосли. Маҳмуд Нурунинг гапига мундоқ разм солиб қараса, анча тубли. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. || *Навоий катта куч*: у сийсатни тубли билади. Ақлга бой, ҳам элулус орасида обрўси баланд. Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Иш-ҳаракат, воқеа-ходиса ва ш. к.нинг туб моҳияти, асоси, негизи билан чуқур боғланган; кескин, жиддий. Тубли фарқ. Ишда тубли бурилиш ясамоқ.

**ТУБСИЗ** 1 Таги, туби бўлмаган, тагсиз. Тубсиз пақир.

2 *кўчма* Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур. Тубсиз жарлик. — Одалар юрагини ўрганиш — етё поёнсиз осмон, тубсиз денгиз сирларини ўрганишдек мушкул. Ё. Шукuroв, Халқ билан ҳамнафас. Маҳкамнинг тубсиз қора кўзлари чуқур ички кечинмаларини унча билиштирмади. П. Қодиров, Уч илдиэ. | Белоён, кексиз. [Мунаввар] деразага суяниб, тубсиз қоронгиликка тикилди. С. Анорбоев, Меҳр.

3 *кўчма* Етарли асосга эга бўлмаган, эгоссиз, пуч. Маҳкамга тубсиз туюладиган мавҳум нарсаларни у бевосита манбадан чиқариб келиб аниқ шаклга сола олар, шеър машқ қилиб юриб янгилик қидиришга, ихтирога ўрганган эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ТУБСИЗЛИК** 1 тубсиз с. белги оти. 2 Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур жой. Довулнинг ёвузлигини олқийлаётган бўрон эса, кемаларга ҳар ички қанотдан ҳужум қилар, шер ўмровли йиртқич тўлқинларни дам олддан, дам ортдан келтириб урар, тубсизлик қаърига фарқ қилмоқчи бўларди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТУБ-ТОМИР** *айн.* таг-томир. Туб-томири билан йўқотмоқ.

**ТУБЎЛГИ** Муътадил минтақаларда ва ўтлоқ ерларда учрайдиган кўп йиллик ўсимлик (баъзилари декоратив).

**ТУВАК** 1 Бешикка беланган бо-

ланинг сийдик ва ахлати тушадиган бешик асбоби.

2 Қонус шаклидаги сопол идиш. Гул тувак. || Тувак гул қ. гул 2.

3 Итга овқат бериладиган идиш. Итининг туваги олтиндан қ. ит.

**ТУВАЛИК** қ. туваликлар. || Тувалик аёл.

**ТУВАЛИКЛАР** Тува АССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ, Тува халқи.

**ТУВАЛОҚ** Тувдоқлар туркумига мансуб, ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш; тувдоқ. Тувалоқ овлаш. Қўлда юрган қўнғир гоз, чўл қадрини не билур, чўлда юрган тувалоқ, қўл қадрини не билур? Мақол. Тўхта тувалоқ айн. тувалоқ. Йўрга тувалоқ тувалоқларнинг бир тури. Ху ана, .. иссиқда мудраётган чўлга файз киритиб, оққушникидай чиройли бўйини гоз тутганча йўрга тувалоқ йўрғалайди. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

**ТУВДОҚ** айн. тувалоқ. **ТУВОҚ** Қозоннинг қопқоғи. Мис қозонга лой туюқ. Мақол. — Қозон туюқсиз, унинг ёнида бир ўғир, битта кув турибди. Ғ. Ғулom, Шум бола. Ферузанинг ўчоғида яна олов. Тувоғи ёпиқ декчадан буг кўтарилади. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

**ТУВҒОН** *диал.* Қимсанинг туққан ота-онаси ёки туғишган яқин кишиси. Тувғонларни кикига бормоқ. Бошдан давлат кетса, тувғон эманар. Мақол.

**ТУГАЛ** 1 Битган, чала ери йўқ, батамом қўлдан чиқарилган, битказилган, охирига, поёнига етказилган. Туғал иш. Туғал асар. — Энди билишимча, биз ўша даврларда ўйнаган нарсаларимиз ҳали туғал бўлмаган, анча гўр асарлар эди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. || Элмурод биринчи кунни беш вақт намозни туғал ўқиди. Иккинчи кунни учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тугалланган, тўлиқ; бекама-кўст. Туғал фикр. Туғал жумла. Туғал комплект. || Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирад, тўртвовлон туғал бўлса, унмаганни ундирад. Мақол. — Домлангизни шундоқ катта профессор қилиб, обрў, уй-жойларимиз туғал бўлганда, шуларни ташлаб кетиб қоламми, деб қўрқаман. Мирмухсин, Умид.

◆ Тўрт кўз туғал айн. тўрт кўз тугаллик билан қ. тугаллик. [Чўпон:] Қўй, мол кетса кетсин, бош соғ бўлса топармиз. Қўй, тўрт кўз туғал йўл олганимиз анча ғаниматдир. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ТУГАЛЛАМА** *ад.* Сюжетнинг ечимдан кейин келадиган ва персонажларнинг охирига тақдир ҳақида ҳикоя қилинадиган хотима қисми.

**ТУГАЛЛАМОҚ** 1 Охирига, поёнига етказмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. Ишни тугалламоқ. Курилишни тугалламоқ. Чигит экишни энг қулай агротехник

муддатларда тугалламоқ. | Тамом қилмоқ, битириб чиқмоқ. Урта мақтабни тугалламоқ. — Институтни тугаллаганида у [Умид] рус тилида аёло, тўкки гаплашарди. Мирмухсин, Умид. | Адо этмоқ, бажармоқ. Беш йилликни тўрт йилда тугалламоқ.

2 Тамомнига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ. Ер қазии ишларимиз тугаллаб қолди, энди ГЭС учун иморат қурамиз, бетон ётқизамиз, арматура ясаймиз. Ойдин, Мардлик — мангулик.

**ТУГАЛЛАНМА** *грам.* Сўзнинг турланиш ёки тусланишдаги ўзгарувчи қисми; кўшимча. Рус тилидаги келиш тугалланмалари.

**ТУГАЛЛАНМОҚ** тугалламоқ *фл.* мажх. ва ўзл. н. Иш муоаффақият билан тугалланди. Ўқииш аёло баҳолар билан тугалланди. Беш йиллик план муддатидан олдин тугалланди. Курилиш ўз вақтида тугалланди. — Шу залда [Саодат] кечирган етти йиллик машаққат ажойиб натижа билан тугалланди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Бу куй Мурзинга таниши. Ўша мунгли, фожиа фарёдлари билан тугалланадиган куй эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТУГАЛЛАТМОҚ** тугалламоқ *фл.* орт. н.

**ТУГАЛЛИК** тугал с. белги оти. Фикрнинг тугаллиги. Асарнинг тугаллиги. — Ўзбек музыкасида кўп жанр ва шакллар мавжуд. Хусусан, мусиқий достонлар — мақомлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мақомлардаги мукаммаллик, тугалликни айтмайсизми! Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

◆ Тўрт кўз тугаллик билан ҳаммамиз эсон-омон, соғ-саломат, жамоат жам бўлиб. Хайр, тўрт кўз тугаллик билан яна учрашайлик.

**ТУГАЛМОҚ** 1 кам қўлл. айн. тугамоқ. Дарахтлардаги сариқ барелар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ қийимини кийган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Битмоқ, йўқ бўлмоқ; битирилмоқ. Тез орада муштумзўрлар тугалажак. Ғ. Ғулom.

**ТУГАМОҚ** 1 Охирига, ниҳоясига етмоқ, тамом бўлмоқ. Мажлис тугади. Чопиқ тугади. — Ўқии тугармиди? Ула-ўлғунча ўқии керак. Уйғун, Навбахор. Ўзбек олимнинг гапи тугамасдан, Қумуш яна жомга ирилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Жонфигон] дарров уйига келиб, ҳарқалай, хотинини суюбди, ўпбди, лекин суҳбат жанжал билан тугабди. А. Қаҳҳор, Жонфигон. | Охирламоқ, тўхтамоқ. Уруш тугади. — Кечки пайт. Бозор тугай деб қолган. Т. Обидов, Юсуфжон қазик. | Ўтиб кетмоқ, ўтмоқ. Қиш тугади. Вақт тугади. — Октябрь охи ҳам тугади, ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг ўппи юзидай қизарди. М. Исмоний, Фаргона т. о.

2 Ишлатилиб, сарфланиб тамом бўлмоқ. *Кудуқнинг суви тугади. Запаслар тугади. Куч-қуввати тугади. Давлат тугар, билим тугамас.* Мақол. — Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди. А. Қодирий, Утган кунлар. — Гапиринг! — деди хотини ниҳоят сабри тугаб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Кўчма Сафдан чиқмоқ, тамом бўлмоқ, ўлмоқ. *Эримбет кўкрагини чангаллаб турарди: «Мана энди Жапақ тугади! .. Мунча секин юради бу?»* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 Барҳам топмоқ, бартараф бўлмоқ, йўқолмоқ. *Саводсизлик бизда тамомла тугади.*

**ТУГАНАК** диал. Тугунак.

**ТУГАНМАС** Сира ҳам тугамайдиган, битмас-туганмас. *Туганмас бойлик.* — *Ўйлаб турсам, сув асло туганмас куч экан.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дунёда туганмас, ўзгармас нарса йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУГАТИЛМОҚ** тугатмоқ фл. мажх. н. Иш ўз вақтида тугатилди. *Камчиликлар тугатилди. Мамлакатимизда саводсизлик алақачонлар тугатилган.* — *Биринчи Нуъмон ҳожи Қаландаров. Қимда ким Нуъмон ҳожи Қаландаровнинг хўжалиги тугатилсин, ўзи бу ердан бадарға қилинсин деса, қўлини кўтарсин.* А. Қаххор, Қўшчиноқ.

**ТУГАТИШМОҚ** тугатмоқ фл. бирг. н. Гапни тугатишибди. *Мажлисни барвақт тугатишибди. Моллар хашакни хаи-паш дегунча тугатишибди.*

**ТУГАТМОҚ** 1 тугамок фл. орт. н. Ишни тугатмоқ. *Камчиликларни тугатмоқ. Саводсизликни тугатмоқ.* — *Домга сабоқни тугатиб, энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турганда, Ғуломжон савол бериб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мадаммин салкам бир лаган ошини бир неча олишда тугатди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Кумушиби хатни ўқиб тугатди-да, юеурганча уйига кириб кетди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ишини, фаолятини тўхтатиб, тарқатиб юбормоқ, беркитмоқ. *Артелни тугатмоқ.*

**ТУГДИРМОҚ** тугмоқ 1—3 фл. орт. н. Арқоннинг учини тугдирмоқ. — *Қоқилиннинг банди бандин тугдирма, Қошин кериб, қовоғингни уйдирма.* «Равшан».

**ТУГИЛМОҚ** 1 тугмоқ 1—3 фл. мажх. н. *Лентанинг тугилган жойида зарҳал ҳарфлар билан «ЎЗССР» деб ёзилган.* «ЎЗССР Конституцияси». *Белбоғига тугилган қирқ тийин чақадан тегишлисини айириб олиб, пиёда ичига ташлади, ўрнидан турди.* Ойбек, Кутлуг қон.

2 тугмоқ 1 фл. ўзл. н. Арқон тугилиб қолибди.

◆ **Кўнгилга** (ёки дилга, қалбга, юракка) тугилган 1) кўнгилда сақланган. *Содда қилмоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этини еб, саросимада юрди.* С. Ах-

мад, Уфқ; 2) ният қилинган. *Думи тугилди қ. дум.*

**ТУГИНМОҚ:** ичида(н) тугиниб қўймоқ кам қўлл. айн. кўнгилга тугмоқ қ. тугмоқ.

**ТУГИШМОҚ** тугмоқ фл. бирг. н. *Нонларни белбоққа тугишди.*

**ТУГМА** 1 Қийим, ғилоф ва ш. к.нинг четига қадаладиган, одатда тўғарак шаклидаги тутқич. *Садаф тугма. Кўйлак тугмаси. Тугма қадам.* — *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хом семиз ҳоким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с. т. Улагич кнопка. *Кудрат қўнғироқ тугмасини босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Чўт донаси. *Бухгалтерия жойлашди, унда эртаю кеч сўт тугмаларининг шақир-шуқури тинмайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТУГМАГУЛ** айн. тугмачагул. **ТУГМАДОР** айн. тугмали. *Биринчисининг устида зарбоф чопон, белини олтин камар билан боғлаган, бошқаси эса оддий тугмадор [камзў], бошига попоқ, оёғига қўлол сағри этик кийган эди.* М. Осим, Зулат ичра нур.

**ТУГМАЛАМОҚ** Кийим, ғилоф ва ш. к.нинг тугмасини солмоқ, қадаммоқ. *Кўйлакнинг ёқасини тугмалаб олмоқ. Ёстиқ жилдини тугмаламоқ.*

**ТУГМАЛАНМОҚ** тугмаламоқ фл. мажх. н. [Тоғача] хамиша ёқаси тугмаланган яшил китель, чўнтагидан насти қизил ҳошияли кўк галифе шим, қизил чарм этик кийиб юради. С. Кароматов, Хижрон.

**ТУГМАЛАТМОҚ** тугмаламоқ фл. орт. н.

**ТУГМАЛИ** Тугмаси бор, тугма қадалган.

**ТУГМАЧА** Кичкина тугма. *Садаф тугмача. Кўйлак тугмачаси.* — *Кўчада ётган эски тақа, зангалаан мих, тугмача, шунга ўхшаш бало-баттарга кўзи тушса, дарров олар эди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ТУГМАЧАГУЛ** 1 Ёввойи гулхайри ва унинг гули.

2 Майда оқ гулли ўтсимон декоратив ўсимлик ва унинг ҳидсиз гули.

**ТУГМАЧАДАЙ**, «дек Кичкинагина; бежиримгина. *Тугмачадай қиз.* — *Қақликнинг қип-қизил тугмачадек кўзлари жовдирарди-ю, ҳеч нарсани кўрмасди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУГМОҚ** 1 Тугун солмоқ; тугун солиб уламоқ, боғламоқ. *Рўмоннинг учини тугмоқ. Иппнинг икки учини тугиб боғламоқ.*

2 (ж. к. билан) Ўраб боғламоқ, бўғчаломақ; ўраб, тугун солиб жойламоқ. *Дастурхонга нон тугмоқ. Белга (белбоққа) пул тугмоқ.* — *Қейин сандиқни очиб, бисотидан бир кийимлик чит олди-да, баркашнинг устига қўйиб, дастурхонга тугди.* Т. Алимов, Совға. У [камшир] тўйлардан, азалардан, кир рўмоннинг учига тукан қақаси каби, эсига маҳкам жойлаб

келтирган «миш-миш»ларни ҳарвақт эзмалик билан сўйлар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

3 Четларини ёпиштириб ясамоқ, таёйрламоқ (чучвара, сомса ва ш. к.ни). *Мантин тугмоқ. Сомса тугмоқ.* — *Дигоналар иш билан банд бўлиши: бури патира ясади, бири сомса тугди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Ғўшти, хамири тайёр, мантини ўзингиз тугиб юборинг, иним, чаққонсиз, ҳар ишга қўлингиз келиши қолади.* Ойбек, Улуғ йўл.

4 Бот. Мева солмоқ. *Олча ғўж-ғўж тугибди.* — *Бу вақт кўклам келиб, ҳамма ёқни яшил либос билан безаган, гуллар ғунча тугиб, ариқчаларда сўлар ҳайқириб оқар, дов-дарахтлар томирига жон кирган пайт.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

◆ **Думини тугмоқ** қ. дум. **Кўнгилга** (ёки дилга, қалбга, юракка) тугмоқ 1) кўнгилда сақламоқ, ёдда тутмоқ; унутмай йиғиб юрмоқ. *Кўнгилга тугиб юрган гапларимни бузун сиз билан очик гаплашмоқчи эдим.* П. Турсун, Уқитувчи. *У ҳамқишлоқ дигоналарининг энг ширин тилакларини, энг азиз туйғуларини дилига тугиб, ардоқлаб бормоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) ният қилмоқ. У [Ҳайдар] *Анорхонга нимадир совға қилишини кўнелига тугиб қўйган.* И. Раҳим, Ихлос. «Энди Раззоқвойнинг бошини иккита қилиб қўйсақ ҳам бўларди», деб орзу қилди чол ва ўғли билан бу ҳақда бафуржа гапланишини дилига тугиб қўйди. Ҳ. Ғулом, Машғал. **Мушт тугмоқ** қўлини муштум қилмоқ. *У ўзига ишонмай, икки муштини тугиб, ёш боладек кўзини уқалади.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Тўққиз пулдек тугиб бермоқ** қ. тўққиз.

**ТУГУК** Тугилган, тугиб қўйилган. *Учи тугук арқон.* — *Дарёда юзган қайиқми! Сенинг белбогинг тугукми, Кўнгилганинг қурисин, Сен ўзинг менга лойиқми?* «Фольклор».

**ТУГУКЛИК** 1 тугук с. белги оти.

2 айн. тугук. *Бу одамнинг беллида гаўҳар тугуклик бўлса керак.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Уларнинг сўзи шу ерга етганда, рўмолда тугуклик бир нарса кўтарган ҳолда, Сайфи кириб келди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТУГУЛ** инкор юкл. Нарса, қимса-нигинга эмас, балки...; у ёқда турсин, хатто... *Сендан молим тугул, жонимни ҳам аямайман.* — *Яроқ тугул, йўқ қўлингизда таёгинг.* «Нигор ва Замон». *Кунлар исиб, дарё тугул, денгизнинг ҳам таъсири бўлмай қолди.* А. Мухамедов, Қаҳрамон изидан.

**ТУГУН** 1 Арқон, ип, лента ва ш. к. нарсаларнинг боғлаб уланган ёки сиртмоқ каби тортиб боғланган ери. *Арқоннинг тугунини ечмоқ. Иппнинг учига тугун солмоқ. Ботинканинг ипига тугун тушиб қолибди. Галстукнинг тугунни чиройли чиқибди.* — *Девона белбогининг тугунига астойдил ёпишгани ҳолда: — Уғирламадим, тентак, ҳожи поччангнинг тўйидан*

олдим, жинни! — деди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ураб, бугчалаб боғланган нарса; бугча. Адолат бошидаги туғунни, орқасидаги қончилиғи ерга қўйиб, Шакархонга қаради. И. Раҳим, Чин мухаббат. Тоир ака қозқдаги туғунни очиб, тўрт-бешта нон, бир ҳовуч каттақўрғон майиз олиб, кичкина барқашчага солди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 ад. Бадий асарда воқеанинг ривожлана бошлашига сабаб бўлган воқеа, ҳодиса. Келинг, арқонни узун ташлаб, сабрга эрк берайлик яна. Зотан ҳар бир асарнинг туғунни билан бирга ечими ҳам бор-ку? Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

4 кўчма Воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг тўқнашган чалқаш ери. Воқеалар туғунни. Зиддиятлар туғунни. — [Мансур:] Шошилишма. Туғун учини топамиз. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 кўчма Дилда тўпланган, кўнгилга гашлик солиб турган ёки ечилмай бош қотираётган нарса. Ҳаёт гапиролмади, хўрлик туғунни бўғизга турди, мунгли овози кўз ёшларига кўмилди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Сайратмага шикибоз Собир, тингла дегандай, Уктамни туртиб қўйди. Бироқ Уктам қўлини силкиб, титраб деди: — Гапни бошқа ёққа бурма. Қани дилиндеги туғунни еч! Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ Нерв туғунни ўзаро бириккан нейрон таначаларининг тўплами. Туғун оши дин. одатда, худойинга қилинадиган чучварали угра ош.

ТУГУНАК Илдиз мевали ўсимликларнинг ҳосили. Картошка туғунаги. Туғунак бактериялари.

ТУГУН-ТЕРСАК Ҳар турли катта-кичик туғун, бугча. Туғун-терсак кўтарган хотинлар.

◆ Кўтар туғун-терсагининг лашлушларининг йиғиштириб жўнаб қол.

ТУГУНЧА 1 Кичкина туғун, бугча. Улар боққа чиқиб, тўқилган ёнғоқларни териб турганда, Жонузқ оқсоқол қайтиб келди. Унинг қўлида кичкина туғунча бор эди. С. Анорбоев, Оқсой. [Аҳмад] ҳар бир эшитган нарасини билиб олиша интиланганидан, унинг сийрак қошлари ўртасида туғунча ҳосил бўлган. Х. Назир, Сўвмас чақмоқлар.

2 туғун 5 с. кичр. Бу ҳолатни тўйиб кўрдим-да, Ечиб солдим дил туғунчасин. Сайёр.

3 бот. Гулда уруғчининг остки қисми, уруғдон (чанглангандан кейин мева, унинг ичида уруғ ҳосил бўлади). Ҳосил туғунчалари.

ТУГУНЧАК 1 туғунча 1 с. кичр. Хўжайин туғунчакни ечиб, дераза томонга ўтди. Ойбек, Кутлуғ қон. 2 айн. туғунак.

ТУДОҚ с. т. Тувдоқ, тувалоқ.

ТУЁҚ 1 Баъзи сутэмизувчи хайвонларнинг оёқ учигаги шохсимон моддан тузилган таянч қисми. От-

нинг туёғи. Туёқ товушлари. — Лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари, мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммо-лим тўлдирган сарғиш зардоблар жимирлаб, ёни-веридан сирқиб ётарди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўчма с. т. Уй хайвони, мол. Николай замонда остонам туёқ кўрмаган. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Бош (молларнинг сони ҳақида). Чорва туёғи кўпайди, молларнинг наслини яхшилаш, қишлоғга пухта тайёргарлик кўриш масаласида ҳам анчагина ишлар қилинди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

4 кўчма Зурриёт, тирноқ. Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўза фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёғимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз.. фақат шул Отабекдир. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ Туёғининг шикиллат қ. шикиллатмоқ. Хўкзининг шохига урса, туёғи зиркирайди кимсага айтилган қаттиқ гап унинг яқинларига ҳам тегади.

ТУЁҚЛИ Туёғи бўлган. Айри туёқли хайвонлар.

ТУЖОҚ [а] эск. кт. Савдогар, тожир. Америкалик татар «тужжор» у ёқ-бу ёқдан суҳбат қилгандан сўнг, муфтига қараб: — Вашистондаги дўстларингиз сизга салом етказишни менга топширишди, — деди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТУЖУРКА [р] Одатда икки бортли эркачка устки калта кийим.

ТУЗ 1 1 хим. Кислота таркибидаги водород ўрнини бирор металл эгаллаши натижасида ҳосил бўладиган химиявий бирикмаларнинг умумий номи. Ассосий тузлар. Сульфат кислота тузлари. — Туз организмнинг тузлилиши учун, унда модда алмашишининг тўғри бориши учун зарурдир. Н. Исmoilов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шу бирикманинг овқат учун ишлатиладиган бир тури (натрий хлорид). Ош тузи. Қоратикан туз. Майда-туз. Йирик туз. Ошга туз солмоқ. Таом туз билан, туз ўлчоғи билан. Мақол. — Зиёдаҳон қумғондан тоғорачага сув қуйди, бир сиқми туз ташлаб чайқади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Сигирга хашак билан бирга ем ҳам бериш, сув ичиришдан ташқари, туз ҳам ялатиш.. керак. Х. Ғулум, Машғал. | (эгаллик аффикси билан) Овқат ёки овқат маҳсулотлари намагининг паст, баланд ёки метёрида эканлик даражаси. Аччиқ-чуқуқнинг тузи баландроқ бўлибди. — Ҳали ош вақтида. «Ошининг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан», — деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман. Ҳамза, Ким ўғри? Тузини кўрмоқ 1) намагини чуқал, расо, шўр эканлигини билиш мақсадида тотиб кўрмоқ. Шўранинг тузини кўрмоқ; 2) кўчма ёмоқ, тотмоқ. Кечаги ошининг тузини ҳам кўрмадим.

3 кўчма Кимсанинг бошқа одамга берган, едирган-ичирган овқати. Туз бермоқ. Тузини ёмоқ (ичмоқ). — Босган отасин юзини, Андиша қилмай тузини. «Эрали ва Шерали». Йўқ, тузим, ноним сени қутуртирган. Ойбек, Кутлуғ қон. Мен сизга уй бердим, вақтида туз бердим, пешанангизни силадим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Шу кампирнинг.. тузини кўп едик. «Равшан». Хўш, нима бўпти? Ахир туз ичган жойингизнинг фарзанди-ку. «Бир кун туз ичган ера қирқ кун салом», — деданлар. П. Турсун, Уқитувчи. Тузини ичиб, тузлуғга тулламоқ (ёки тунурмоқ) нонкўрлик қилмоқ, нонтепкилик қилмоқ, яхшиликка ёмонлик қайтармоқ. Сендақ, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғга туллайдиган нонтепки керак эмас. С. Аҳмад, Ҳукм. Тузини оқламоқ (ёки халлоламоқ) кимсанинг берган ош-тузи, боққани, парвариш қилгани зое кетмаганини исбот қилмоқ, яхшиликка яхшилиқ қайтармоқ. Сенга мен камтарин фарзанд эрурман, .. Улуғ бурчим тузини оқламоқдур. Ҳабибий. Туз(им) кўр қилгур қарғ. нонкўрлик қилган кишига қарата айтилади. Одамгарчиликни ҳам билмади бу туз кўр қилгур! А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Умуман оёқат, таом. Ичга туз (ҳам) кирмади. Туз тотмади. — Кечгача туз тотмай, ўтирган жойимдан қимирлай олмай тандир ўчоқнинг ичида ётдим. Ғ. Ғулум, Шум бола. Туз ялаб ҳеч нарса емай-ичмай, қоринни жуда-жуда очқатиб, оч ҳолда. Хатиб домла панжисанба кунидан туз ялаб зиёфатга боришга ҳозирланади. А. Қодирий, Обид кетмон. Тузини тотмоқ 1) айн. тузини кўрмоқ 1 қ. туз 2; 2) мазасини кўрмоқ, таъминни тотмоқ. Ўзинг ҳам қаландар номининг тузини тотиб қол. Айний, Қуллар.

4 кўчма Мантық, маъно, мазмун. Эси бор билади гапнинг тузини. «Алпомиш». Ийи-ийи, бу оймчанинг гапида туз борми ўзи? И. Раҳим, Чин мухаббат. Гапнинг тузи қурсин, қизим! Ғурур ғурбатга солар, деган нақдининг маъзини чақсанг-чи. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

ТУЗ II 1 Сайхон, текис ер, текислик. Туғанмас комимиздир тоғ билан туз. Ҳабибий.

2 Фойдаланилмай ётган ер, бўз ер, кўриқ. На қилат этган бир шамол. На уйғоқдир дала, туз. Шухрат.

ТУЗ III [р] карт. Ўйин турига қараб энг катта ёки бир очко (бир хол) қийматга эга бўладиган карта. Таппон туз. Фиштин туз. Валетни туз билан босмоқ. | (эгаллик аффикси билан) кўчма Бирор нарсанинг энг сараси, муҳими. Аёллар орасида суҳбатнинг «тузи» қурилиши эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

ТУЗАКЛИ Саранжом-саришта қилинган, тузалган, тузатилган, безатилган. Тузакли уй. Тузакли дастурхон.

ТУЗАКСИЗ Саранжом-саришта қилинмаган, тузалмаган, тузатилмаган,

безатилмаган. *Фуломжон Ҳаётнинг безаксиз, тузаксиз ҳам тароватли, ҳароратли юзини кўриб бир хил бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУЗАЛМОҚ** I Касалликдан, хасталикдан халос бўлмоқ, соғаймоқ, шифо топмоқ. Бемор тузалди. У курортдан анча тузалиб қайтди. — [Курбон ота] касалхонада яқин икки ой ётиб, оёқлари тузалди, ўзи жуда тетикланди. А. Қаххор, Тўй. | Битиб кетмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ (яра, чипқон), жароҳат ва ш. к. ҳақида). Ярам тузалиб қолди. Тиг яраси тузалар, тил яраси тузалмас. Мақол.

2 Ёмон, нотўғри, ножўя йўлдан қайтмоқ, ахлоқий нуқсондан халос бўлмоқ. Танқиддан сўнг у анча тузалди. — Хўш, у [Йўлчи] тентакни қутқариб нима қиласан, жиян? У тузалмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Камчиликлари, нуқсонлари бар-тараф этилиб тўғри, дуруст бўлиб қолмоқ, яхшиланмоқ. Аҳвол тузалди. Тузалмас хато. — Абдурахмон.. яна икки йил мадрасада туриб, шу тузалган ахлоқини «камолотга» эриштирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Эрлар билан меҳнатга. Отганлар қулоч. Турмушлари тузалиб, Топганлар ривож. Ғайратий.

4 Бузуқ холдан фойдаланишга, ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ. Йўллар тузалиб қолди. Машина тузалди.

**ТУЗАЛМОҚ** II тузамоқ I, 2 фл. мажх. н. Тузалган стол. Тузалган дастурхон. — Дастурхончи тузалаган бир патнис олиб кириб қўйди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТУЗАМОҚ** I Патнис, дастурхон, стол ва ш. к.ни ноз-неъматлар билан беамоқ, ясатмоқ. Бегимхон.. дугонасини кўрпачага ўтқизди-да, патнис тузаб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қамолддин маҳдум.. дастурхон тузашни Асад қорига буюрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қари келса — ошга, ёш келса — ишга. Иккаламиз стол тузар эканмиз. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Саранжом-саришта қилмоқ, шинам қилиб жихозламоқ, ясатмоқ. Уғлим аъло ўқир деб, Севиб ота-оқаси, Атайлаб ўзига хос Тузаб берган бир уйча. Қ. Муҳаммадий. [Шералихон отларни] қушдай қилиб тузаб, зар куббали зумрад эгарни солди. «Эрали ва Шерали». Ўзини тузамоқ диал. ўзини тузатмоқ, тартибга солмоқ; шайланмоқ, тайёрланмоқ, хозирланмоқ. Ҳасан мард бунни кўриб, кўзи ёшга тўйиб, жазавалари қўзғалиб, полвонлик томирлари уйғониб, ўзини тузаб тезланаверди. «Равшан».

3 Диал. Адо этмоқ, бажармоқ, ўтамоқ. Бир шартга буюрди ул қоши қаро, Тузамоққа мен Ёвмитга бораман. «Нигор ва Замон».

**ТУЗАНМОҚ** диал. Ўзини тузамоқ, тартибга солмоқ; шайланмоқ.

**ТУЗАТИЛМОҚ** тузатмоқ I фл.

мажх. н. Хато тузатилди. Жумла тузатилди. Беморнинг ўрни тузатилди. — «Хафа бўлмаган, ака,— деҳқоннинг елкасини қоқиб юпатди Йўлчи,— фалокат эмас; арава синади, тузатилди». Ойбек, Қутлуғ қон. Кўндан бери шикаст-рехти тузатилмаган мактаб биносининг олдидан боғчани кесиб ўтиб, тош йўлга чиқибди. А. Қаххор, Картина. Зиё шохичи қайниси Ҳомидга «Тузатилдингми?» дегандек қилиб қаради ва Ҳасаналидан афв сўради. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТУЗАТИНМОҚ** Ўзини, усти-бошини, соч-соқолини тартибга солмоқ, Ҳасанали тузатишиб олди ва ичкарига кирди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТУЗАТИШ** I тузатмоқ I фл. иш оти. Камчиликларни тузатиши. Ўзини тузатиши. Юриш-туришини тузатиши. — Бу тадбир ёмон эмас,— деди командир,— бу тадбирни бир оз тузатиш билан қабул қилиши керак. Айний, Қуллар.

2 Яхшилаш ёки тўғрилаш мақсадида киртилган ўзгаришни, ўзгарма, тузатма. Лугатга илова қилинган тузатишлар. Қарорга киритилган тузатишлар.

**ТУЗАТИШМОҚ** тузатмоқ I фл. бирг. н. Хатоларини ўз вақтида тузатишиди. Уртоқлари уни роса тузатишиди.

**ТУЗАТМА** айн. тузатиш 2. Қарорга тузатма киритмоқ.

**ТУЗАТМОҚ** I I Саранжом-саришта қилмоқ, тартибга солмоқ. Нури хўрсинди, сочларини, ғижим рўмолини тузатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мастура она ана шу хаёллар билан уйга кириб, .. ё тарелканинг ўрнини алмаштирар, ё стулни тузатиб қўярди. Р. Файзий, Шохи дарпарда. Зиё ака Тўйбеканинг ёзан дастурхонини тузатиб, қулчаларни синдирди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Бузилган, ишдан чиққан нарсани тикламоқ, фойдаланишга, ишлатишга яроқли ҳолга келтирмоқ; ремонт қилмоқ. Қибла қизарса, қизинени узат, тоғ қизарса, уйингни узат. Мақол. — Соат меники. Бузадиган ҳам ўзим, тузатадиган ҳам ўзим. Уйғун, Навбахор. Лоақақ ўн беш сўм турадиган қовунни тўрт ярим сўмга сотсин, буни ҳам бировнинг аравасини тузатишга тўлсин. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Баргараф қилмоқ, тўғриламоқ. Хатони ўзлари қилиб, тузатишини сиздан талаб қилсалар, инсофданми ахир! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Нуқсон-камчиликларни йўқотиб яхшиламоқ, дурустламоқ. Талаффузни тузатмоқ. Аҳволни тузатмоқ. — Кичик бир мастер бўлиб чиқарди отин, Тузатди кундан-кунга Рўзгор ҳаётин. Ғайратий. Майли, сизлар яшанлар, замонни тузатинлар. Ойбек, Қутлуғ қон. Остингдаги жийрон от, кам-камдан ичин тортди. Йўлда бўйини узатди, Юришини тузатди. «Рустам».

I Ёмон йўлдан қайтармоқ, ахлоқий нуқсондан халос қилмоқ. «Камчиликни тузатиши мумкин». — «Албатта мумкин, Тўлқинжонни ҳам тузатиши мумкин». Ф. Мусажонов, Хури.

Б Касалликдан, хасталикдан халос қилмоқ, даволамоқ, шифоламоқ, шифо бермоқ, касалини аритиб соғайтирмоқ. Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 с. т. Гап билан бошламоқ, қаттиқ изза қилмоқ, уялтирмоқ. Юзма-юз туриб Шайхулло домуллани шундай тузатдики, ер ёрилса, кириб кетмай бўлди. Ш. Тошматов, Топгдаги кўланка.

**ТУЗАТМОҚ** II тузамоқ фл. орт. н. Кам-кам ўзин тузатди, гарданини узатди. «Равшан».

**ТУЗАТТИРИЛМОҚ** тузаттирмоқ фл. мажх. н.

**ТУЗАТТИРМОҚ** тузатмоқ I 1—3 фл. орт. н. Соч-соқолини тузаттирмоқ. Хатоларни тузаттирмоқ. — Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ТУЗДИРМОҚ** тузмоқ I—3 фл. орт. н. План туздирмоқ. Шартнома туздирмоқ. — [Абдурахмонбой:] Иттифоқнома туздирибсан! Маҳкамма-маҳкамма юриб арз қиладиган бўл қопсан. Н. Сафаров, Уйғониш.

**ТУЗДОН** I Туз солиб дастурхонга қўйиладиган кичкина идиш.

2 айн. тузлук.

**ТУЗИЛИШ** I тузилимоқ фл. иш оти. Бу иш юзасидан комиссия тузилиши бежиз эмас.

2 Таркибий қисмларнинг ўзаро жойланиши; қурилиш структураси. Атомнинг тузилиши. Организмнинг тузилиши. Машинанинг тузилиши. Гап тузилиши. Тупроқнинг тузилиши. | Тузум. Давлат тузилиши. — Жамият тузилиши ҳамиша шундай адолатсиз бўлиб келганлиги фактдир. Ойбек, Нур қидириб.

**ТУЗИЛМОҚ** тузмоқ I—3 фл. мажх. н. План тузилди. Комиссия тузилди. — Бу кун сенинг тўлқинларинг кучидан Эзеу, ёруғ, турмуш йўли тузилди. Ғайратий.

**ТУЗЛАМОҚ** I Туз сепиб қўймоқ, туз сепмоқ, тузга буламоқ, Гўшти тузламоқ. — Катта чипор товуқни тутиб, буғлаб қўй, кечкурун сўйиб берман, тузлаб қўясан, эрта билан бир шўрва пиширасан. Айний, Қуллар.

2 Туз сепиб ёки намакобга солиб узоқ вақт бузилмайдиган егулик тайёрламоқ. Бодринг тузламоқ. Қарам тузламоқ.

3 кўча с. т. Гап билан бошламоқ, тузатмоқ. Уларнинг фикрича, кўпни кўрган муғомбир ва пишиқ домла ўқитувчи болани яхшилаб тузламоқда ва дамичи қайтариб қўймоқда эди. П. Турсуни, Уқитувчи.

4 кўча дағл. Бошлаб алдамоқ, фириб бермоқ, лақиллатмоқ. Даллол бўлиб пул топшини кўзлабман, Қўлин

силтаб, мол сотганни тузлабман. О. Кўчқорбеков.

**ТУЗЛАНМОҚ тузламоқ** *фл. мажх. н.* Тузланган балиқ. — Тустовуқлар тозаланиб, тузланаётганда, Кутбиддиновнинг феъли айниди. А. Қаххор, Ужар. Шикоят ёзан иғвоарлар рўйхати тузилсин ва улар чақирилиб, тузлансин! Х. Икромов, Сурнайга карнай бўлиб.

**ТУЗЛАТМОҚ тузламоқ** *фл. орт. н.* Қарам тузлатмоқ.

**ТУЗЛАШМОҚ тузламоқ** *фл. бирг. н.*

**ТУЗЛИ** Ичида ёки таркибида тузи бўлган. *Тузли халта. Тузли минерал сув.*

**ТУЗЛУҚ** Туз сақланадиган идиш. Хо, Адолат, тузлуқни бер, шакарга жиндек туз сепиб қўй, жуда ширин бўлиб кетибди! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

♦ **Тузлуқ тўрва** 1) эск. озиқ-овқат сақланадиган халта; 2) қўчма тиркичилик, оилани боқиш, уй-рўзғор ташвиши. *Тузлуқ тўрва бўйнига тушиди.*

**ТУЗМОҚ** 1 Барпо этмоқ, вужудга келтирмоқ, яратмоқ. *Партия тузмоқ. Армия тузмоқ. Комиссия тузмоқ.* — *ЎзССР Олий Совети ЎзССР ҳукумати — ЎзССР министрлар Советини тузади. «ЎзССР Конституцияси».*

2 Таркибий қисмлардан яхлит нарса яратмоқ, таркиб этмоқ, тартиб қилмоқ. *Жумла тузмоқ. План тузмоқ. Рўйхат тузмоқ. Эртанги ишга бўеун режа туз.* Мақол. — *Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб гап тузамиз ва фикримизни баён қиламиз. «Ўзбек тили дарслиғи».* | Турли материал, маълумот ва ш. к.ни йиғиб ва маълум тартибда жойлаштириб, яхлит бир ҳолга келтирмоқ; яратмоқ. *Тўпلام тузмоқ. Икки тилли луғат тузмоқ. Дарслик тузмоқ.* | Расмий равишда келишиб бирор хужжат ёзмоқ. *Акт тузмоқ.* — [Мирзакаримбой] ўғли Ҳакимбойваччанинг пахта савдоси юзасидан ўрис фирмалари билан яқинда тузган шартномаси устида ўйлаб, .. кўзларини яна маҳкамроқ юмди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Уюштирмоқ; қурмоқ, қилмоқ. *Улар юксак оилаларнинг ўғиллари. Уларнинг киссаларида олтин-кумуш мўл. Улар кечалар ширин сўхбатлар туздилар.* Ойбек, Навоий. *Ғалаба муносабати билан Музаффар Мирзо катта зиёфат тузди.* Ойбек, Навоий.

4 кам қўлл. айн. **тузатмоқ** 1 2. Бузилган ишни ботири тузар. Мақол.

**ТУЗ-НАМАК** 1 Овқатнинг тузланганлик даражаси, тузининг паст-баландлиги. *Овқатнинг туз-намагини ростламоқ. Мантининг туз-намаги бир оз баланд бўлибди.*

2 Умуман ейиладиган нарса; емиш, овқат, таом. *Лапанглаб югурган мингбоши гузарга аранг етиб келганда, ҳожим тўра аллақачон отдан тушиб,*

*туз-намак қабул қилмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **ТУЗ-НАМАК** бўлмоқ маълум муддат ҳамтовоқ бўлмоқ, топганини кимса билан ўртада баҳам кўрмоқ. *Чўлини яшнатаётган одамлар ёнида бўлиши иштиёқи уни [Яйрани].. чўлқувар билан туз-намак бўлиб яшашга даъват этди.* С. Акбарий, У ҳаётни севади.

**ТУЗ-НАСИБ(А)** Гўё тақдирда белгиланган ризқи рўз, насиба. *Билмайман, туз-насиб қаерга тортар, Менда йўқдир, бова, сира ихтиёр.* Фозил шонр.

**ТУЗОҚ** 1 Қўш тутиш учун одатда қилдан ясаладиган сирмоқли мослама. *Тузоқ қўймоқ (қурмоқ).* — [Сувонжон] от думидан эшиб тўқилган тузоқларни каклик келиши эҳтимол топилган ерларга шахмат тартибида ўрнаштирарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 қўчма Кимсани қўлга тушириш ёки ўзига оғдириш учун кўрилган тал-бир ёки ишга солинган восита; дом. *Билмаган ишга уринма, уриниб тузоққа илинма.* Мақол. — *Айтиб бер деб, қистама мени, Севгимизнинг тарихи узоқ, Менинг дилим кабутар бўлди, Йўлларига сен қўйдинг тузоқ, Уйғун. Жон талвасасида қолган душман Умурзоқ отани тузоққа тушириш йўлига ўтди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Солиҳбой:] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди. Гофирин энди бутунлай ипсиз тузоққа илинтирдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

♦ **Узоққа тузоқ қўймоқ** узоқни кўзлаб иш қилмоқ.

**ТУЗОҚЧИ** 1 Тузоқ ясовчи ва тузоқ қўйиб ов қилувчи.

2 қўчма Кишиларни тузоғига, домга илинтирувчи. *Домига тушмаган кам, турфа тузоқчи ҳожим, Бермайди қилса насила, судраб, чатоқчи ҳожим.* Муқимий.

**ТУЗОҒЛИК** Тузаб қўйилган; ясоғлик. *Тузоғлик дастурхон. Тузоғлик стол.* — *Мулозимлар тузоғлик баркашлар, сўйилган қовун ва тарвузлар, турли-туман нозу неъматлар кўтариб келишиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУЗСИЗ** 1 Тузи йўқ ёки паст. *Тузсиз овқат. Тузсиз хамир тандирда турмас.* Мақол.

2 қўчма Маъноси, мазмуни йўқ; бемаъни, тугуриқсиз. *Ўзи юзсининг сўзи тузсиз.* Мақол. — *Қўйинг тузсиз гапларингизни, сизга ярашмайди.* М. Ўринқўжаев, Унутилмас кунлар.

**ТУЗСИРАМОҚ** Организмда туз етишмаслиги сабабли туз талаб бўлмоқ (асосан хайвонлар ҳақида). [Қўйларнинг] *ҳаммаси тузсирасан бўлса керак, кирсангиз, қўлингизни ялайди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТУЗУВЧИ** 1 тузоқ *фл. ш. оти.* Шартнома тузувчи томонлар. *Акт тузувчи шахслар.*

2 айн. **ташкilotчи.** Столнинг иккинчи томонида мактаб комсомол таши-

килотини тузувчилардан Василий Степанов ўтирибди. П. Турсун, Уқитувчи. 3 Материал, факт, маълумот ва ш. к.ни йиғиб ва уларни маълум тартибда жойлаштириб асар яратувчи ёки яратган шахс. *Луғат тузувчи. Халқ қўшиқлари тўпламини тузувчи.*

**ТУЗУК** 1 1 Бузилган-нетган ери йўқ, ишлаб турган ёки ишлай оладиган. *Телевизор тузукми. бузукми?* || *Мотор тузук ишлаб турибди.*

2 Камчилиги, ёмон ери йўқ; дуруст, яхши; бннойи. *Тузук йиғит.* || *Бу иш тузук ташкил қилинмапти.* — *Ўзи тузук шоир, бироқ таққидни кўтармагани ёмон.* А. Қаххор, Сароб. *Кенжа йиғит қишлоқда Тура олди бир ойча, Турмуш тузук бўлса-да, Аммо бахти узоқда.* 3. Дийр.

3 Дард-касали йўқ, соғ, соғлом; бардам. *Ота, тузукмисиз? Тузук бўлиб кетдингизми?* | Яхши, қаюқлағарили (соғлик, ахвол ва ш. к. ҳақида). *Хайрият, онангизнинг аҳоли анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 рвш Қондаси билан, дурустгина, яхшилаб. *Тузукроқ, мазмунлироқ гапирсангиз-чи.* *Тузукроқ ўтиринг.* — *Хаёлингиз қаерда, нима сўзлаясиз, оий? Тузуккина гапиринг!* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 тасдиқ юкл. Яхши, хўп, майли, маъқул. — *Эртага китобни ола кел, тузукми?* — *Тузук, олиб келаман.* — *Сиз киргандан кейин мен эшикни устингиздан ёпиб оламан-да, бир оздан сўнг олдингизга келиннинг ёлғиз ўзини киреизаман, тузукми?* — *Тузук.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

♦ **Ўзига тузук** моддий аҳволи яхши, ҳар жиҳатдан таъминланган.

**ТУЗУК** II тар. юр. Қонун-қоидалар тўплами; низом. *Амир Темур тузуклари.*

**ТУЗУКЛАМОҚ** Яхши, дуруст ҳолга келтирмоқ, яхшиламоқ. [Отабек] *хаёл ичида қозонинг тахларини тузуклади-да, қайтариб яна қўйнига тикди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТУЗУКЛАНМОҚ** тузукламоқ *фл. ўзл. н.* — *Ўзингизга маълумки, — деди тузукланиб Ҳасанали, — Марғилон келганимизга.. бир ойлор чамаси фарсат ўтди.* Шундан бери Отабек дарман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТУЗУКЛИК тузук** 1 1—3 с. белги оти. *Телефоннинг тузуклигини текширмоқ.* — *Фуод афанди .. ҳол-аҳвол сўради, тузуклигимни айтдим, — деди Ҳожиди хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тузукликча тузук. Лекин ҳали ҳам йўкалари фикрлайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУЗУК-ҚУРУК** кам қўлл. Яхшигина, дурустгина, кўнгилдагидек. [Тўла] *ўқитувчининга саволларига тузук-қуруқ жавоб қилмай ўз ўйи билан машғул бўлди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Касбингиз бўлмаса, ошина-оғайниларингиз бўлмаса, қўлингизда ту-*



зук-курук характеристика бўлмасал Қайққа борасиз? А. Мухтор, Тугилиш.

**ТУЗУМ** Жамият ва давлат тузилиши системаси. Давлат тузуми. Колхоз тузуми. Социалистик тузум. Капиталистик тузум. — У [Алиқул] кўп ўтмай янги тузум, янги давлат, янги ҳаёт ва янги одамларга дуч келди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУЗҚОҚ:** тузқоқ қилмоқ гўштга туз сеппи қуритмоқ, қоқламоқ. Шаҳар, қишлоқларга барра гўштнинг ҳаммасини етказиб беролмаймиз. Кучимиз етганича тузқоқ қиламиз. Й. Муқимов, Қизилқум пахлавони.

**ТУЙДИРМОҚ I** туймоқ I фл. орт. н. Толқон туйдирмоқ.

**ТУЙДИРМОҚ II** туймоқ II фл. орт. н.

**ТУЙИЛМОҚ I** туймоқ I фл. мажх. н. Ховончада туйилган толқон. — [Чол] халтачасининг учинчи кўзига қўл суқиб бир ҳовуч туйилган кўкнор чиқариб, аввал ўзи капалади ва навбат билан бошқаларга ҳам бир ҳовучдан капалади. Айний, Қуллар.

**ТУЙИЛМОҚ II** туймоқ II фл. мажх. н. Унинг сўзи менга қаттиқ туйилди.

2 Ҳўшамоқ, ўхшаб кўринмоқ, хис этилмоқ. У пайтлар ёз эди, бу гал эса қиш; Бир хилдай туйилар иккала фасл. М. Икром. Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туйилган бир соат вақт ўтган, бутадан йегирма-ўттиз метрча берди, қора каска кўринди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

3 Гўё ..дек бўлмоқ, га ўхшамоқ. Назаримда биров келгандай туйилди.

**ТУЙИШМОҚ** туймоқ I фл. бирг. н. Қизлар кели туйишди.

**ТУЙМОҚ I** Кели, ховонча ва ш.к.-да янчмоқ, майдаламоқ, кукун қилмоқ. Мурч туймоқ. — [Содиқ:] Қаранг, хотиним бечора қақиртиканакни келида туйиб ун қилти. Н. Сафаров, Уйғониш. Ҳа, ширин толқон, Тўлқинжон, шинни солиб туйдим. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 диал. Оқламоқ, тозаламоқ, мас. шолини. Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан туялмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТУЙМОҚ II** Ҳис қилмоқ, сезмоқ; пайқамоқ. Одам исини туйган бўриллар жуда яқиндан улий бошлади. С. Аҳмад, Одамнинг изи. [Йўлдош] шу дақиқа онанинг меҳрли нигоҳи фарзанд гусасини маҳв этишига қодир эканини умрида илк бор туйди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ТУЙНАК** Янги тугилган, хали етилмаган қозун. [Бозорда] қозун туширадиганларга ёрдамлашман, сапча, туйнак беришди. Ф. Фулом, Шум бола. Бундай кезларда хазанак бўлган полздан топилаган хомак ҳам, пайкал кесагида ёриб ейдиган туйнак ҳам ширин бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ТУЙНУК I** Эски тилдаги маҳаллий уйларнинг деворидан ёки тепасидан

ёруғлик кириб туриши учун қолдирилган тешик. Мана бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беи чоғлик хотин ўтирибди. С. Зуннунова, Гулхан. Мадраса ҳужраларининг эшиги икки табақали бўлиб, ёруғ тушиб турсин учун тепасига ганчдан панжара туйнук қилинган. М. Мухаммаджонов, Турмуш урнинишлари. Тепа туйнук том тепасидаги ёруғлик тушиб ёки тутун чиқиб туриши учун қўйилган тешик. | Умуман девор ва ш. к.даги ҳар қандай тешик. Қуралай, ҳой қуралай, Туйнугинедан мўралай. Сен яла айтганида, оҳангига йўрғалай. Ҳ. Фулом, Тошболта ошиқ.

2 Ҳарбий истеҳком, қўрғон, окоп деворларидан ўқ этиш учун қилинган махсус тешик.

◆ Боши (ёки бўйи) туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ хали ёш, балоғат даври ўтган эмас. Хом ўйлабсиз, ҳалитдан куёв нимаси, [Тошхоннинг] боши туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ. А. Мирахмедов, Ўт юраклар. Биронта хотини йўқ одам топилиб қоларди. Қизимизнинг бўйи туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ-ку! С. Зуннунова, Гулхан. Ой туйнукка, арава эшикка келганда иш тиқилинч бўлиб қолгандагина ҳаракатга тушганда айтиладиган ибора.

**ТУЙНУКЛИ** Туйнуги бўлган, туйнук қўйилган. Туйнукли уй. — [Қўрғоннинг] унда-мунда туйнукли деворлари мустаҳкам, қўш тавоқа дарвозаси ҳам бор. Ф. Фулом, Шум бола.

**ТУЙНУКЧА I** Кичик туйнук. Яқинроғингизда ўлмоқ учун, .. душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Баъзи уй ёки маъмурий бинолар деворига келиб кетувчи кишилар билан жавоб-муомала қилиб туриш ёки турли билетлар сотиш учун махсус қилинган тешикча, дарча. Регистратура бўлимининг туйнукчаси.

**ТУЙҚУСДАН** рвш, диал. Беҳосдан, қўққисдан, кутилмаганда. Банги бошига туйқусдан совуқ сув қуйилган одамдай, қўсикқа кўзлари чарақлаб очилиб кетди. О. Ёқубов, Ларза. Тоштемир Ойинсага яқинроқ келиб, тизгинни унинг қўлидан олди ва туйқусдан сўраб қолди: .. Тошкентга олиб кетайми? Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ТУЙҒУ I** физиол. Ташқи таъсирни сезиш, хис этиш, қабул қилиб олиш қобилияти; сезги. Туйғу ёрдамида биз иссиқни ёки совуқни сезамиз. Кўёнинг туйғу органлари терида тамомландиган нерв учларидан иборат. «Зоология».

2 Рухий ёки жисмоний кечинмалар, хис-туйғулар мажмуи; хис-туйғу, хис-хиссиёт. Нафис туйғу. Оғриқ туйғуси. Юракни ғаш қилаётган туйғу. — Мавж уриб янги каналлардан мусаффо сув келур, Ҳар кўнғил ойнасига ранг-баранг туйғу келур. Ҳабибий.

3 Кўтаринки рух; эхтирос. Жўра-хон эйр туйғу билан равон оташин гапирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **ТУЙҒУЛИ** Сезиш, хис этиш қобилияти кучли; сезувчан. Нафис туйғули қиз.

**ТУЙҒУН I** Тез сезиб, фаҳмлаб, пайқаб оладиган; сезгир. Туйғун бола. — Эхтиёт бўл, туйғун қушлар кўрмасин. «Алпомиш». Зафар аста тентирайди ёнса-да кун, Ёши ўнда, жингалек соч, кўзи туйғун. Ойбек. || Йигитнинг туйғунин кўрдим, бувишим. «Кунтуғмиш».

2 Туйғун (эркаklar исми).

**ТУЙҒУН II** Қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги. Сувсиз чўлда келади. Полвон Ҳасан, мард Ҳасан. Оч туйғундай чарқиллаб. «Равшан».

**ТУЙҒУНЛИК** туйғун I с. белги оти. Қизчанинг туйғунлиги сезилиб турибди.

**ТУЙҒУСИЗ** Сезиш, хис этиш қобилияти йўқ ёки кучсиз; хиссиз, сезмайдиган. Тебранолмай фақат мен ётаман. Ўз ўрнимда ярим туйғусиз. О. Юнус.

**ТУК I** Баданда ўсадиган соч ёки юннинг ҳар бири; мўй. Мўйлов туки. — Сочининг ҳар бир толаси, қошидаги ҳар бир туқ, мижжасидаги ҳар бир китрик кўз ўнгимда турипти. Й. Рахим, Чин муҳаббат.

2 Баъзи нарсаларнинг устини қоплаб олган майда қилсимон ўсимта. Шафтолининг туки. — Отлиқ шохни ушлади, уни авайлаб ўзига тортиди, кейин беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб уни ҳидлади, яна ҳидлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ (Бир) туки ўзгасам ёки бир туқ ҳас кам эмас айнан ўзи, худди ўзи, ўзгинаси. Кампир суратни қўлига олиб тикилиб қолди.— Худди ўзи, Кенжагинамнинг ўзи. Бир туки ўзгасам. С. Аҳмад, Чевара.

**ТУКЛИ I** Баданида туки бўлган; мўйли. Тукли йегиш. — Йўғ-е. хиндуларнинг туслари қорампир, кўз-қошлари қоп-қора бўлади, буларнинг юзлари оқ, қошлари оз тукли сариқ ва кўзлари кўк-ту. Айний, Қуллар.

2 Устки қисми-ку билан қопланган; сертук. Тукли газлама. Тукли беҳи.

**ТУКСИЗ I** Баданида туки бўлмаган. Туксиз силлиқ юз. — [Фосих афандининг] туксиз қошлари жийрилиб қолди кўк шишали кўзойнақларига қадалди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. 2 Устида туки йўқ. Туксиз шафтоли. Туксиз қовун.

**ТУЛ** Эри ёки хотини ўлиб ёлғиз қолган; бева, есир. Тул хотин. Тул қолмоқ. — Қанча-қанча оналар, келинчақлар тул бўлди. З. Диёр.

**ТУЛИЙ** Химиявий элемент, оғир, зич металл.

**ТУЛИМ** кам қўлл. айн. толим. Сочни икки тулим қилиб ўрмоқ. — Сулув

оғир тулимини тўлаб, қовоқ қосадан жиндак сув хўлади. А. Мухтор, Опасингиллар.

**ТУЛКИ 1** Итлар туркумига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жуяли йиртқич сутэмизувчи хайвон. Тулкининг боласи. Қорамтир тулки. Тулки тумшуғидан илинар. Мақол. | Шу хайвоннинг мўйнаси. Ойсулув уйғониб, унгурининг оғзига чиқиб турган эди... Сувонжон унга қўён рангли тулкини узатди. С. Анорбоев, Оқсой. || Бошига тулки телтак кийган бу отлик унга таниш кўринди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 кўчма Ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида. Қўзбўямачи тулки бўлади, халқ ичида қулаи бўлади. Мақол. — Ҳақиқатда эса, бу тулкилар уни лақиллатадилар. А. Қаҳҳор, Сароб.

♦ Ит олган тулкидай афти-ангорига қараб бўлмайдиган, афти-боши тирналган, булганган. Бировни ит олган тулкидай қилмоқ.

**ТУЛКИЛИК** тулки 2 с. белги оти. Тулкилик қилмоқ. — Тулкилик-да. Бу одам хирпи бўлиб кетган. Комиссия келиб қолса, сувдан қуруқ чиқши мақсадида, машиналарни рад қилиб, бўятяпти. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

**ТУЛЛАК 1** Бултурги, қари (икки, уч йиллик) туллаган бедана. Дам олиб ўтирганларга чой ташиётган Тожийов юриб кета туриб, туллакнинг овозидан завқланарди. Мирмуҳсин, Чиникиш.

2 кўчма Айёр, маккор, фирибгар одам ҳақида. || Туллак одам. — Табиий, булар рўпараларидаги юздан тўқсонни урган ва бир ҳафтада тўрт-беш бозорни оладиган туллаклар .. эдилар. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Пихини ёрган туллак ўтакетган фирибгар, айёр, маккор. Жиноятчининг каттаси — унинг акаси Зидилла. Пихини ёрган туллак. Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ТУЛЛАКЛИК** туллак 2 с. белги оти. Сурхонбой акасининг туллаклик қилаётганини билиб турса ҳам, .. ортиқ баҳслашиб ўтирмади. И. Раҳим, Тақдир.

**ТУЛЛАКХОНА** эск. Отларни бўрдоқига боқиш учун мосланган оғилхона.

**ТУЛЛАМОҚ** Пат, тери ёки юнги ташлаб янги пат, тери ёки юнг чиқармоқ (хайвон, ларранда ва ш.к. ҳақида). Туллаган товуқ. — Унинг [чолнинг] оёқлари остида туллаган ориқ ит қимир этмай ётарди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ТУЛЛАТМОҚ** тулламоқ *фл. орт. н.* Бедов минсанг сағрисини силатиб, Арпа бериб олтой боқсанг туллатиб. «Рустам».

**ТУЛПОР 1** Наслдор, чопқир, учқур от; арғумоқ. Бос олдин, тулпорим, чу, азамат, чу. Ғ. Ғулом. | Тулпор отлар ел қувиб илгариларда, тепалик ёнбағри билан юриб, ўрмон ичида кириб кетди. М. Мухамедов, Кичик гарни-

зон. Хоса тулпор боқилган, чиниққан, узоқ сафарларда, пойгада пишиган наслдор от. Майдон бўлса, бедов отлар чопилар, Кўп чопилса, хоса тулпор совулар, Хизмат қилсанг, ёринг кўнели топилар. «Ширин билан Шакар».

2 фольк. Қанотлари бўлган афсонавий учар от.

**ТУЛУМ 1** Терисига похол тикилган бузоқ (боласи ўлган сигирни ийдирши учун қилинади).

2 Ичига похол ва ш. к. тиқиб қотирилган хайвон, қуш ва ш. к. Айиқ тулуми. Бургут тулуми. Лайлак тулуми. Тулум устахонаси. — Унинг [Полвоннинг] ёнига бир мунча ўрдак тулумлари уйилиб қўйилганди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Меш, саноч, бурдуқ.

**ТУМ** Ногоранинг пўкиллаганроқ овоз чиқарадиган тоқаси; тақ, так 2.

**ТУМАН 1** Атмосферанинг қуйи қатламларида юзага келаётган майда сув ёки муз зарралари. Қуюқ туман. Тонги туман. — Ҳаво туман бўлганидан ўрмон кўзга кўринмас эди. М. Мухамедов, Қахрамон изидан. Бошдан кетди у қора туман, Қирғоқ бўйи яшнаган чаман. Ғайратий.

**ТУМАН II 1** эск. Ун минг. Бирники минга, минники туманга. Мақол. | Ниҳоятда кўп, сановига етиб бўлмайдиган, тумонат. Саломатлик — туман бойлик. Мақол. — Шу қонун сабабли туман элларнинг Гуллади қардошлик аввал баҳори. Ғ. Ғулом.

2 тар. Тилла баробарида ўнг минг сўм. [Соҳиб Дор:] Ҳалифамиз ўтган кунни девон қуриб, вазирлари ва беқларидан икки туман ақча топиб бермоқни талаб этибдурлар. М. Осим, Зулмат ичра нур.

3 тар. Ун минг отликдан иборат аскарий қисм. Мен .. бир туман бирлағанимнинг ўнг қўлидан орқасига ўтиб олдим. М. Осим, Ўтрот.

**ТУМАН III** тар. Октябрь Революциясига қадар Ўрта Осиёда маъмурий-территориал бўлиниш; уезд; Шу ўттиз чақиримлик ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонгача ер суғорилар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мардон асли Шеробод туманига қарашли бир қишлоқлик йигит. М. Осим, Элчилар.

**ТУМАН IV** диал. Тубан, қуйи. Юзини туман қилмоқ уятга қолдирмоқ, шарманда қилмоқ. Сен зийтгин мендай моманг сўзини, Туман қипсан бек отангининг юзини. «Алпомиш».

**ТУМАН V** [ф-т] Эронда 1932 йилга қадар муомалада бўлган пул бирлиги.

**ТУМАНЛАНМОҚ** Туман билан қопланмоқ; хираланмоқ. Туманланган дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай урилларди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУМАНЛАШМОҚ 1** Хира бўла бормоқ, хираланмоқ. Кўз олдим туманлашди.

2 кўчма Хиралашмоқ, ноаниқлашмоқ.

**ТУМАНЛАШТИРМОҚ** туманлашмоқ *фл. орт. н.*

**ТУМАНЛИ 1** Туман қоплаган, туман босган. Туманли кун. — Кеча қоронғи ва туманли эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Тезирмон йўласи ун тўзонни ичига кўмилиб, кеч кўннинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 кўчма Аниқ эмас, ноаниқ, норавшан. Туманли тасавур. Туманли фикр. — Шукуржоннинг миёсида яна чақмоқ чақнагандай бўлади-ю, ўн йиллар давомида дилига озор бериб келган туманли ўйларнинг ҳаммасини бирдан ёритиб юборди. О. Ёқубов, Ота изидан.

**ТУМАНЛИК 1** Туман билан қопланганлик; хиралик.

2 Туман босган, қоронғи жой. Саидий шу дарвоза ва шу занжирнинггина оддий деб билиб, ичкарини сира кўз олдига келтирмас ва келтирмоқчи бўлганда, фақат бир туманликнинггина кўрар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 астр. Ердан жуда узоқда жойлашган ва Сомон йўлига ўхшаш кўринишга эга бўлган юлдузлар системаси. Галактик туманликлар.

**ТУМБОЧКА** [р] Кичкина пастак шкафча. Ҳар бир қаравот бошида биттадан тумбочка, оёғида — биттадан тахта курси. Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ТУМОВ** Бурун шийлик пардасининг яллиғланиши ва бунинг натижасидан бурундан сув, назла оқиш касаллиги. Тумов бўлмоқ.

**ТУМОВЛАМОҚ** Тумов бўлиб қолмоқ. Сайёра тумовлаб бир-икки кун мактабга келмади. П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.

**ТУМОВЛАНМОҚ** айн. тумовламоқ.

**ТУМОНАТ** Сановига етиб бўлмайдиган, ниҳоятда кўп одамлар тўпи; халойиқ. Унинг шовқин-сурониёча бир зумда тумонат тўпланди. — У [Ҳайри] онасиданми, бувисиданми мерос бўлиб қолган минг ямоқ банорас паранжисини номиза ёпиниб олган, кўзлари тумонат ичидан қимнидир қидиради. А. Муҳиддин, Қирқ бахт эгалари. Тумонатни (бошига) йиғмоқ бирор сабаб ёки баҳона билан кўп одам тўпламоқ, йиғмоқ. Аканени уйлантира-миз. Кеча тўй юбордик. Эртага тумонатни бошимизга йиғамиз. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТУМОР 1** Диний-хурофий тушунчага кўра гўё кўз тегшидан, бало, офат, инс-жинс ва ш. к.дан сақлайдиган, ичига дуо битилган қоғоз жойланган учбурчак нарса (одатда бўйинга, қўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб қўйилади). Дуо тумор. Кўз тумор. — Нима бу, қандай тумор, Дўппи ичра чапилган. Ғ. Ғулом. Комсомол значоги нақадар азиз нарса! Бўйинидаги эскилик қолдиги — туморга бало борми? Б. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш.

2 этн. Хотин-қизларнинг кийим ус-тидан бўйинга осиладиган ёки елкага осиб қўлтиққа тушириб юриладиган

безаги. Бўйин тумор. Қўлатиқ тумор. 3 сфт, с. т. Учбурчак шаклга эга бўлган. Тумор қартали калиши. Тумор ер.

**ТУМОРНУСХА** Туморга ўхшаган, тумор шаклидаги. Туморнусха хат.

**ТУМОРТАХЛИТ** айн. туморнусха. У [Бегижон] .. тумортахлит букланган бир қозони менга узатар экан, ҳаё босгандан бўлса керак, иягида марварид доналари сўнгари майда-майда терлар пайдо бўлди. Н. Сафаров, Севги.

**ТУМОРЧА** 1 тумор с. кичр.

2 Тумор шаклидаги, туморга ўхшаш. Фақат неча минг километрлар йўл босиб келган туморча хат унга [Пўлатжонга] тасалли берди. С. Аҳмад, Кадрдон далалар.

**ТУМОҚ** 1 *Диал.* Кулоқли иссиқ қалпоқ; кулоқчин. Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳа деб шовқин солар эди. А. Мухтор, Қоракалпоқ қиссаси.

2 Ўргатилган ов қушининг бошига кийдириладиган тери қалпоқча.

**ТУМСА** Тўғмайдиган, сутни йўқ. Тумса сигир. || Сенга қараб бўтадайин бўзлайман, Фикрим шудир ўзим сира тинмайман, Мен тумсага агар сутни бермасанг, Олган омонатинг ол деб йўғлайман. «Зулфизар билан Авазхон».

**ТУМСАЙМОҚ** айн. тумтаймоқ. Боқижон тумсайиб, өззини очган ҳолда ҳаммага маъносиз тикилди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТУМТАЙШИМОҚ** тумтаймоқ фл. бирг. н. Қизлар хирмонда тумтайишиб, бир-бирларига тескари қараб ўтиришибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТУМТАЙМОҚ** Бирор нарсдан хафа бўлиб, ранжиб ёки жаҳли чиқиб қовоқ солиб ўтирмақ; тумшаймоқ. У боласининг бугун жуда ҳам тумтайиб олананга ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, паршонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар .. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қаримберди индамади, бадтар тумтайди. С. Маҳкамов, Дала тонги.

**ТУМТАРАҚАЙ:** тумтарақай бўлмоқ ёки тумтарақай бўлиб кетмоқ (ёки қочмоқ) ҳар томонга тартибсиз тарқалиб, тўзиб кетмоқ, қочиб қолмоқ, жуфтакни ростламоқ. Шу пайтда ҳайдаб бораётган қўйларимиз, худди бўйри теккандай, ҳуркиб, тумтарақай бўлиб кетди. Ғ. Ғулум, Шум бола. Сир очилгандан ваҳимага тушган каллакесарлар ўша кунийёқ тумтарақай бўлиб қочишди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. Эшик очилши ҳамон болалар тумтарақай қочиб кетишди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Тумтарақай қилмоқ ҳар томонга тартибсиз равишда қочишга мажбур этмоқ; тор-мор келтириб тўздириб юбормоқ. Самарқанддан мадада чиққан шўро қизил аскарлари Қитоб бегининг жуда катта қўшинини тумтарақай қилиб, Ғузорга келибди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ТУМУШМОҚ** *диал.* Тумшаймоқ. Унинг тумушиб тўнига ўралиб туришини кўраан дехқон, раҳми келди шекилли, аста эгилиб юзларига тикилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУМШАЙМОҚ** 1 айн. тумтаймоқ. Нега тумшайиб олдинг, йигит? — Қишлоққа ишга бориш ниятим қатъийлигини билган, мендан ўзини олиб қочиб, тумшайиб юрди. Н. Ёкубов, Ҳаёлимдаги қиз.

2 *қўйма* Ёғса-ёғгудек тус олмоқ, айнимоқ, ёркаб олмоқ (ҳаво ҳақида). Ҳавони қаранг, жуда тумшайиб олди. Ғўзалар сал ўзини тутиб олса яхши бўларди. С. Зуннунова, Олов.

**ТУМШУҚ** 1 Қушларнинг өзги билан бириккан, чўқиш ва зарб бериш учун хизмат қиладиган ўткир учли шохсимон аъзоси. Товуқнинг тумшуғи. — Лайлакнинг бўйи новча, тумшуғи бор тарновча. Лапангайди учганда, Уясидан кўнганда. Уйғун.

2 Ҳайвонлар бошининг олд қисми. Чўққанин тумшуғи. — Елиб-йўргалаб кетаётган тўриқ дафъатан тумшуғини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади. С. Анорбоев, Оқсой. «Тарзан» бояғидай буйруқни бажариб, қанд «мукофот» олгиси келдики, саҳий эгасининг оёғига ялоқ тумшуғини сурқади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | с. т. дағ. Афт-башара; калла, бош. Раис унинг тумшуғи олдига келиб дўқ урди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. У [Мадаминхўжа] бориб муттаҳам қозининг тумшуғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *қўйма* Бирор буюм ва ш. к.нинг олдинга чиқиб турган қисми, бурни. Кеманинг тумшуғи. Милитикнинг тумшуғи. — Ҳолиқ кўзлаб туриб оғир этигининг тумшуғи билан бир тепди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Бирова тумшуғи йўқ обдаста сотибсиз, бировнинг олган чилоччини тешик чиққанмиш. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

◆ **Тумшук** тикмоқ бирор ишга ноўрин аралашмоқ; бирор ерга суқулмоқ. Қайси ёв тумшук тикар, унга жавоб шу дафъатан: «Э ўлимтиклар, келинг, ёғру кафан ишқи билан». С. Абдулла.

**ТУМШУҚЛИ** Тумшуғи чиққан; учли. Урдак тумшукли этик.

**ТУМШУҚЛИК** Ог, эшак, ит каби ҳайвонлар тумшуғига кийгизилдиган махсус нухта; бурундүк.

**ТУМШУҚЧА** 1 тумшук с. кичр. Улар [тумшуклар] бир-бирларини қувишиб ййнашар, .. ўткиргина тумшукчаларини шохга уриб тозалашар, .. яйрашар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. 2 айн. сўргич.

**ТУН** Сутканин кун ботишдан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отаргача бўлган қисми. Ойсиз тун. Тун калалаги. Ой тунда керак, ақл кунда керак. Мақол. Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ. Мақол. — Очил ярим тундача кўчаларда тентираб юрди, ётоққа

борса, яна тун бўйи ухлай олмай чиқшини билар эди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Қечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонга улаб, қушлар нағмасидан, сувлар шилдиришидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТУНАМОҚ** Бирор жойда тунни уйқу билан ўтказмоқ, кечаси ётиб қолмоқ. Хирмонда туманоқ. — Бозорни кутиб, икки-уч кун .. самоварди тумандик. Ғ. Ғулум, Шум бола. Иван Борисович бир неча кундан бери дала шийпониде тумаб қолади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУНАЛМОҚ** туманоқ фл. мажж. н. Бугун дала шийпониде тумалади.

**ТУНАТМОҚ** туманоқ фл. орт. н. Қўйларни яйловда туматмоқ.

**ТУНАШМОҚ** туманоқ фл. бирг. н. Йўл узоқ, ҳамма қизлар шийпонда тумашаяпти. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ТУНГАН** с. т. Тунгони. Ора-сира тунганлар ҳам кўриниб қолади. Улар аёллар кўйлагига ўхшаи узун камзул кийган. Ҳ. Нумён, А. Шорахмедов, Ота.

**ТУНГИ** Тунда бўлган ёки бўладиган; тундаги, тун оғушидаги; кечки. Тунги смена. Тунги салқин. — Асаб, тунги уйқусизлик Қудратни толиқтирган эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ТУНГОНИ** қ. тунгонилар. Тунгони тили. || Тунгони аёл.

**ТУНГОНИЛАР** Хитой Халқ Республикасининг шимоло-ғарбида яшовчи, хитой тили шеваларидан бирида сўзлашувчи халқ номи (бу халқнинг бир қисми 19 аср охирида Россияга ўтган, уларнинг ҳозир, асосан, Қозоғистон ва Қирғизистон территориясида яшовчи авлодлари ҳам шу ном билан аталади).

**ТУНД** [ф-т] 1 Қўп гапиравермайдиган, индамас, камгап, камсухан. Тунд, камгап, кекса жарроҳ .. ҳар бир сўзни ўлмагандай, оҳиста тушунтира бошлади. Ойбек, Навоий.

2 Муомаласи совуқ, қўпол муомала, кўрс. Тунд одам. | Кишига ёқмайдиган, қаттиқ тегадиган, дағал, қўпол. Эҳсон устал [стол] ёнига бориши билан Саидийнинг тунд гапини эшитмасан, Саидийни кўрмаган бўди. А. Қаххор, Сароб.

3 Кўриниши, чехраси совуқ, бадчехра, бадқовоқ. Тунд башара. — Очилгани келган хотинларнинг кўнчилигини эрлари етаклаб келарди .. Уларнинг баъзилари қувноқ, баъзилари тунд. С. Зуннунова, Гулхан.

**ТУНДЛАШМОҚ** Тунд бўлмоқ, тунд бўла бормоқ, қўполлашмоқ. Ҳури унинг [Камолнинг] башараси тундлашиб, катта-катта қора кўзлари ғазабдан чақнаганини кўрди. Ш. Ғулумов, Саҳрода. — Бўйици. Шундай қиламиз, — деди Шербек қаттиқ. Унинг юзи кўланка тушгандай тундлаиди. — Тўламаат ака, энди менга тўриқни беринг. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУНДЛИК** тунд с. белги оти. [Эсон:] Акасида мастона бир қатъят, сўз ўтмас бир тундликни кўрди. Х. Назир, Ким ҳақ?

**ТУНДРА** [р<финча] Арктик минтақанинг ўта совуқ иқлимли ўрмонсиз, йўсинлар билан қопланган жанубий зонаси.

**ТУН-КУН**, туну кун 1 Кеча-ю кундуз, кечаси-ю кундузи, сутка давомида. *Олтин билас узук тақма*, биллагинани оғритар, *Тун-кун сени мен ёд этди*. *Мени кимлар ёд этар*. Ҳамза.

2 Ҳамиша, ҳамма вақт, тинимсиз. *Тун-кун ишламоқ*.

**ТУННЁЛЬ** [р<ингл] Тоғ ичидан ёки ер остидан ўйиб очилган йўл, ўтиш жойи. *Метрополитен туннеллари*. Тоғ туннели. *Туннель қазимоқ*. — Ўрмонзор йўли ҳудди тоғ тағидан кесиб ишланган туннель йўлга ўхшайди. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

**ТУНОВ:** тунов кунги 1) ўтган кунги, бурноғи кунги. *Тунов кунги бошим оғриб кингачини чақирсам*, [қайнонам] ҳайдаб юборди. Ғайратий, Савлатхон; 2) яқинда, ўтган яқин кунларнинг бирида. *Шоир Ҳайдарнинг янги шеърлари тунов кунги ёзувчилар ўртасида муҳокама қилинган эди*. М. Муҳамедов, Қахрамон зидан.

**ТУНОВГИ** с. т. Тунов кунги, тунов кунги, яқинда юз берган. *Туновги тўй*. *Туновги мажлис*.

**ТУНУКА** Том ёпиш ва бошқа мақсадлар учун махсус тайёрланган юпқа тахта-тахта темир. *Оқ тунука*. *Рух тунука*. || *Тунука том*. *Тунука чойнак*. *Тунука печка*. *Тунука томли уй*. — *Новот опа ишдан қайтиб келганда*, *Ўринжон ўзи ясаган уйчаннинг устига тунука қоқаетган эди*. Ойдин, Ўзи мованд. *Самандаров этигининг қўнжидан тунука кутича чиқариб махорка ўради*. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТУНУКАЛИ** Тунука билан ёпилган, тунука қопланган (том ҳақида). — *Тошкентдаги уйлардан чакка ўтмас керак-а? — деб сўради у*. — *Ўтади-ганалари ҳам бор*. *Лекин кўпи тунукали уйлар*. — *деди Элмурод*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУНУКАСОЗ** 1 Томга тунука қоқувчи мутахассис; тунукачи.

2 Тунукадан турли асбоб-анжом ясовчи уста; тунукачи.

**ТУНУКАСОЗЛИК** 1 тунукасос с. касб оти. *Тунукасослик қилмоқ*. *Тунукасосликни ўрганмоқ*.

2 Тунукасослар устaxonаси жойлашган раста, қатор.

**ТУНУКАЧИ** айн. тунукасос. *Баланд том устида эмаклар юриб тунукачилар тунука қоқардилар*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУНУКАЧИЛИК** тунукачи с. касб оти. *Тунукачилик билан шуғулланмоқ*.

**ТУНҚОТАР** тар. Тунги қоровул, соқчи. *Таниш қўнғирқоқларнинг товушини эшитган тунқотар дарвозани очар*; *кўзи мудиҳи воқеани кўрди*. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТУНҚОТМОҚ** фольк. Кечаси билан сергак, бедор бўлмоқ, ухламай чиқмоқ; тунда қоровуллик қилмоқ. *Равшанбек тунлар тунқотиб йўл тортди*. [Равшан].

**ТУП** Ўсимлик ёки дарахтнинг ҳар бир донаси. *Бир туپ дарахт*. *Ун туپ олма кўчати*. *Ғўзанинг тупи*. — *Сал кам миллион туپ дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя жойлар кўп*. П. Қодиров, Уч илдиш. [Фарғонанинг] ҳар туپ мевасидан бол томади. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Туп кўйиб палак ёзмоқ** (ёки отмоқ) қ. палак 1.

**ТУПЙК** [р] Боши берк кўча ёки йўл. *«Инспектор» ишининг йўғай кўча-ёганлигидан бениҳоя хурсанд ҳолда иккинчи тупикдаги иккинчи эшикни тақиллатди*. С. Искандаров, Товламачи.

**ТУПКА:** бир тупканинг тағида ёки бир тупкада жуда ҳам узоқ, чекка жойда. *Уйи бир тупканинг тағида экан*. — *Хўжабековни тупканинг тағидан бўлса ҳам топиб келамиз*. . *Халқ олдида ҳисобот берсин!* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёнимда юрши отанга буюрмовди, сен ҳам мени ташлаб, укаларининг кўларини жовдиратиб, бир тупкада юрсанг, мен кўймай ким кўйсин!* Н. Еқубов, Ҳаёлимдаги қиз.

**ТУПЛАМОҚ** Оғиздан тупук, сўлакай, балғам ва ш. к. ташламоқ, тупурмоқ. *Балғам тупламоқ*. *Оғзидаги носовоини туплаб ташламоқ*. — *Элликбоши .. лой ва қон аралаш туплайди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУПЛАШМОҚ** тупламоқ фл. бирг. н.

**ТУППА** 1 Суоқ ош учун тайёрланадиган узма ёки кесма хамир. *Уврага уқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёполмайсан, туппани кесолмайсан*. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Шундай хамир солиб пишirilган суоқ ош.

**ТУППАҚ** с. т. Лой соққани пуфлаб қуш отиш учун махсус тайёрланган қамиш най. *Туппақ билан чумчуқ отмоқ*.

**ТУППАҚЧИ** Туппақ отувчи.

**ТУППА-ТУЗУҚ** Биноийдек, яхши, тузук; дуппа-дуруст. *Ўзингиз туппа-тузук қиз экансиз-у, наротки ҳукуматимизнинг буйруғини иобатга олмасангиз-а!* Н. Сафаров, Замон. *Мен сизни механик десам, туппа-тузук монтер ҳам экансиз-ку!* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. || *Машинани туппа-тузук бошқариб юрүвдим-у, лекин интизомни бузиб қўйдим*. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ТУПРОҚ** 1 Кавлаш, чопиш, хайдаш натижасида сочилувчан холга келган ер қатлами; ер. *Бир ҳовуч тупроқ*. *Тупроқ уюми*. *Ўрани тупроқ билан кўйиб ташламоқ*. *Тупроқ олсанг, олтин бўлсин*. Мақол. || *Чуқурликлардан иргитилаётган тупроқ окопларнинг чап қирғоқларида тоғ бўлиб кўтарилмоқда*. И. Раҳим, Чин мухаббат. | *Гард; чанг*. *Кечирасиз, қўл бериб*

*ҳайрлашай десам, қўлым тупроқ*. Ойдин, Икки кўзи шунда. *Ҳа, мулла Ғулом, тиззаларингиз тупроқ, нозомни ерда ўқидингизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ер қобиғининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; ер. *Қора тупроқ*. *Қумлоқ тупроқ*. *Тупроқ картаси*. *Тупроқ-иқлим шароити*. — *Мирзачўлнинг тупроғи Бўлар ёшлиқнинг боғи, Тошар севги булоғи, Тўлдириб дил жомимни*. Ё. Мирза.

3 Ўлган кишининг хоки; хок. [Қурбон ота] *«Бир сиқим тупроғим беғона юртда қолиб кетмас экан», деган йўза борди*. А. Қаххор, Тўй.

4 кўйма Юрт, ўлка; территория. *Афғонистон тупроғи*. — *Шу табаррук муқаддас тупроқ* — *Ўзбекистон, мардлар ўлкаси*. *Ўтмишдан келгуси кўпроқ, Бахтин олиб берар елкаси*. Ё. Мирза.

◆ **Бу ернинг тупроғи оғир** бу ерни ташлаб кетиш осон эмас, бу ерни ташлаб кетишга ҳеч кимнинг кўзи қиймайди. **Тупроғи шу ердан олинган** 1) дин. шу ернинг тупроғидан бунёдга келган; 2) кўйма умрбод шу ера қолади. — *Дўсмаатов ўзимизники, — деди Сомовди*. — *Дўсмаатовнинг тупроғи шу ердан олинган*. *Ҳеч қайёққа кетолмайди*. П. Турсун, Ўқитувчи. **Тупроғини яламоқ** кўп йиллар бир ерда ўқимоқ, таҳсил кўрмоқ. *Шокир мадраса тупроғини ялаб ётишга тоб қоқати йўқ йигит эди*. М. Осим, Элчилар. **Тупроққа қорништирмоқ** гап билан эзмоқ, мулзам қилмоқ; обрўсини бир пул қилмоқ. **Тупроқдан ташқари** ҳаёт, тирик, барҳаёт. *Яраларим унча оғир эмас, мана тупроқдан ташқари юрибман*.

**ТУПРОҚЛИ** 1 Тупроғи қалин, кўп, сертупроқ; тупроқ босган; чанги чиқиб ётган. *Улар билқ-билқ тупроқли кўчада чанг кўтармасликка тиришиб, отни секинроқ ҳайдади*. Ойбек, Қутлуғ қон. [Домла:] *Ёлгон дуохонлик қиламан деб, уч-тўрт пуд тупроқли кигиз тағида қолдим: Э, худо, ўзинг асрагин!* Ҳамза; Тухматчилар жазоси.

2 Тупроқнинг маълум турига эга бўлган. *Шербек Қучқораа тикиланча ўйлаиб қолди*. — *Ҳар ҳолда ватани — қора тупроқли Россия чўллари*. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУПРОҚЛИК** Тупроқ уюлган жой, тупроқ билан банд бўлган жой. *Бир кундан кейин Ҳилол ўзига келди, кўзини очса, бир қоронғи тупроқликда ётибди*. «Гўрўғли».

**ТУПРОҚШУНОС** Тупроқшунослик бўйича мутахассис олим. *Ўзбек тупроқшунослари*. || *Тупроқшунос олим*.

**ТУПРОҚШУНОСЛИК** Тупроқ хусусиятларини ўрганадиган фан. *Тупроқшунослик институти*.

**ТУПУК** 1 Оғиз бўшлиғида сўлак безлари ишлаб чиқарувчи ва овқатни хазм қилиш учун хизмат қиладиган суоқлик. *Тупук ютмоқ*. — *Овқат оғизда атала ҳолига келиб, тупук билан аралашгандан кейин ошқозонга,*

дундан ичкакка ўтади. Н. Исмоилов, Касалларни парварши қилиш.

2 Шу суюқликнинг тупуриладиган бўлаги. Қаҳратон қиш. Туп десангиз, тупугизингиз музлайди. Ойдин, Ҳазил яшиш.

**ТУПУКЛАМОҚ** Тупук билан хўламоқ. Тупуклаб ёпиштирмоқ. Ипнинг учини тупуклаб эшмоқ.

**ТУПУРИК** кам қўлл. айн. тупук. **ТУПУРИКЛАМОҚ** кам қўлл. айн.

**тупукламоқ.**

**ТУПУРИНМОҚ** тупурмоқ фл. ўзл. н. **ТУПУРИШ** тупурмоқ фл. иш оти.

Лаънатининг ўзини бир қўлга тушириб, башарасига тупуриш керак эдида. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТУПУРМОҚ** айн. тупламоқ. Осмонга тупурсанг, бетинга тушар. Мақол. — У .. оғзидаги носини тупуриб, «бисмилло» деганича шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўртага тушиди. С. Ахмад, Лаъли Бадахшон.

**ТУР** 1 Белгилари, хоссалари, вазифаси ва ш. к. билан умумий бўлган бир группа ёки бутунлик ташкил этган нарсаларнинг хили, нави, кўриниши. Пойабзал турлари. Газлама турлари. Спорт турлари. Қўшин тури (ҳарб.).

2 биол. Усимлик ва ҳайвонлар систематикасида бирор туркумга мансуб алоҳида сифатга эга бўлган форма, тасниф бирлиги. Уссури қобони япон чўққасининг бир тури.

3 грам. Грамматик категория хили. Олмош турлари.

4 Иш-ҳаракат, фаолият, юриш-туриш ва ш. к. тарзи; тахлит, зайл, тус. Элликбоши бир минут қадар сукут қилиб, ҳалиги «икки оғиз» сўзни қай турда бошлашни ўйлади-да, жилмайиб қўйди. Ойбек, Қутлуг қон. — Бугун эрталаб домла бизникига келган эди, — деди Султонани жиддий турда. А. Қодирий, Мехронал чаён.

**ТУР** [р<фр] (у — чўзиқ) Давралаи спорт мусобақаларида бир қур ўйин. Шахмат турнирининг учинчи тури. СССР футбол чемпионатининг биринчи давра учинчи тури.

**ТУРАНГА** кам қўлл. айн. **туранги.** **ТУРАНГИ** Теракнинг тўқайзорларда ўсадиган бир тури. Улар [колхозчилар] трактор юрадиган ерларни тозалаб, хас-хашақларга ўт қўядилар, юлғун ва туранги чағалининг томирларини қавлаб, тракторларга йўл очардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУРАР:** турар уй кишилар истиқомат қиладиган ёки истиқомат қилиш учун белгиланган уй. **Турар жой** 1) айн. **турар уй.** Турар жой ва жамоат бинолари. Турар жой қурмоқ; 2) киши ёки кишилар яшаб турган уй, жой. Турар жойингизнинг адресини беринг. — Халқ судларининг маслаҳатчилари ишчилар, хизматчиларнинг ишлаб турган жойлари ёки турар жойларида ўтказиладиган умумий йиғилишларида сайланади. «ЎзССР Конституцияси».

**ТУРБАТ** [а] эск. кт. Дахма, мақ-

бара, соғона. — Шу турбатда истиқомат қилиб ётган Хўжайбон ҳазратлари, — деб фаррош қабрни кўрсатибди. Айний, Эсдаликлар.

**ТУРБИНА** [р<лат] Сув, буғ ёки газ кучи билан ишлайдиган двигатель. Буғ турбинаси. Газ турбинаси. Турбина заводи.

**ТУРБИНАЛИ** Турбинага эга бўлган, турбина ўрнатилган. Буғ турбинали электростанция.

**ТУРБИНАЧИ** Турбина ишлаб чиқарувчи ёки турбинага қаровчи мутахассис. Турбиначи слесарлар.

**ТУРБОБЎР** [р] тех. Чуқур қудуқларни (мас., газ, нефть қудуқларини) бурғилайдиган гидравлик аппарат. Тез орада Газободга турбобур ускуналари етиб келди. И. Раҳим, Тақдир.

**ТУРБОГЕНЕРАТОР** [р] тех. Турбинадан ҳаракат олиб у билан бирга ишлайдиган электр генератор.

**ТУРДОШ** Бир турдаги, бир хилдаги, бир хил. Турдош касбларни эғалламоқ.

◆ **Турдош от** грам. бир турдаги предметларнинг номини англатадиган отлар; тақ. атоқли от.

**ТУРИБ-ТУРИБ** 1 Кўп вақт тик қолиб, кўп вақт ўтказиб. У остона олдида туриб-туриб орқасига қайтди.

2 Вақт ўтган сайин, борган сари, тобора. Унинг гаплари туриб-туриб менга алам қилляпти. — Туриб-туриб беҳуда хаёллар чулғаб олади. Не машинақатлар билан боғанимдан кейин, [Муроджон] яхши қабул қилса тузук. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

3 Кўп вақт фикр юришиб, ўйлаб-ўйлаб. Туриб-туриб топган жавобинг шуми?

**ТУРИЗМ** [р<фр] Ҳам дунёни кўриш, билиш, ўрганиш, ҳам дам олиш мақсадида қилинадиган сайр-саёҳат. Халқаро туризм. | Пйёда, велосипедда, чанғи ва ш. к. да ўтказиладиган юриш — спорт тури.

**ТУРИЛМОҚ** 1 турмоқ 1, 2, 4—7, 13 фл. мажх. н. Оёқ босиб турилган жой. Қурилиш материаллари кетма-кет етказиб турилди. — Ғира-шира тонгда турилди яна Боболар мисоли керишиб кўкрак, Қайиқлар ов сари бурилди яна. М. Икром. — Оз-моз ичиб турилса, зарари йўқ, — гапга тушиди Қамбар, — баъзи вақт, Йўлчибой, юрагим тарс ёрилгудай бўлади, дунё кўзимга қоронғи кўринади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Тиралмоқ, қадалмоқ. Беҳи томоғида турилиб қолди.

**ТУРИСТ** [р] Туризм билан шуғулланувчи киши; туристик саёҳат, юриш қатнашчиси. Чет элли туристлар. Москвага турли мамлакатлардан туристлар келиб турибди.

**ТУРИСТИК** [р туристический] Туризм, туристларга оид. Туристлик саёҳат. Туристлик пўтёвка.

**ТУРИШ** 1 турмоқ 1—14 фл. иш оти. Қўшни қўшиндан эрта туришини ўрганади. Мақол. — Гулро.. оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста каби, умидсизлик билан яна

секингина ўтирди. Ойбек, Қутлуг қон. Отабек бу хабарни совуққина эшитиб ўтирар ва фотиҳа ўқиб туришга ҳозирланар эди. А. Қодирий, Ўтган кушлар.

2 Вазият, аҳвол; ҳол. Бу туришда иш битмайди. Шахмат ўйини шу туришда кечиктирилди. Туришидан у сенга ўхшаб кетади.

3 эск. грам. айн. нукта. Туриш белгиси. Ярим туриш айн. вергул.

4 эск. айн. пауза.

◆ **Туриш бермоқ** бардош бермоқ, чидаш бермоқ, чидамоқ. Бай-бай .. мен еган қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди. Шунинг учун қаймоқнинг яхши ёмонини дарров ажратаман. А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. **Куёшнинг туриш нуқтаси астр.** Куёшнинг эклиптика бўйлаб ҳаракатида энг шимолӣ (қишда) ёки энг жанубий (ёзда) нуқтадан ўтиш пайти; шу пайтларда (яъни 22 март ва 22 декабрда) кун-тун барабар бўлади.]

**ТУРИШМОҚ** турмоқ 1, 4, 5—8 фл. бирг. н. Болалар кўчада туришибди. Бу йиғитлар ҳарбий ўқётда туришди. Солдатлар қатор туришди. Улар қишлоқда туришади. — Дастурхон йиғиштирилди, намозгар яқинлашганидан, ўчовлари таҳорат қилиш учун туришди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТУРК** қ. турклар 1. Турк тили. || Турк аёл.

**ТУРКИГУЙ** эск. Туркий тилда ўқувчи ва ёзувчи. Туркигуй шоир.

**ТУРКИЙ** 1 Турк халқ, тили ва маданиятига оид (қ. Турклар 1).

2 Турк халқлари, уларнинг тили ва маданиятига оид (қ. турклар 2). Туркий тиллар. Туркий халқлар.

**ТУРКЛАР** 1 Туркийнинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ, турк халқи.

2 Туркий тиллардан бирини сўзлашувчи халқларнинг умумий номи.

**ТУРКМАН** қ. туркманлар. Туркман тили. Туркман маданияти. || Туркман аёл.

**ТУРКМАНИ** 1 Туркманларга хос, туркманларга оид. Туркмени телпақ. Туркмени чакмон.

2 Майизнинг бир нави.

**ТУРКМАНЛАР** Туркменистон ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ; туркман халқи.

**ТУРКМАНЧА** 1 Туркманларга, туркман халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. Туркманча рақс. Туркманча кийим.

2 Туркман тили. Сиз туркманча(ни) биласизми? || Туркманча гапирмоқ.

**ТУРКОЛОГ** [р тюрколог] Туркология бўйича мутахассис, олим; туркшунос. Ўзбек туркологлари. || Турколог олимлар.

**ТУРКОЛОГИЯ** [р тюркология] Туркий халқларнинг тили ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи; туркшунослик. Совет туркологияси. Туркология фани.



**ТУРКОНА** 1 эск. Туркий тил ва адабиётга оид; туркий. *Туркона байт.* — Келиннинг атрофида, орқасида келатган гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расм билан «ёр-ёр» айтдилар. Ойбек, Навоий.

2 Халқ медицинасида оид; хонаки. *Туркона дори.* — Отинларнинг туркона эми тариқча бўлсин отамга таъсир бермади. Ғайратий, Ешлигимсиз.

**ТУРКУМ** 1 Үтда, тўп, группа. *Бир туркум одамлар.* — Учинчи туркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, маҳдум Анвар олдига киши юбориб, уни чақиртириб келишга мажбур бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бир-бирига боғлиқ бўлган, бир бутунни ташкил этган бир неча асар, лекция ва ш. к.; цикл. *Партия тарихи бўйича лекциялар туркуми.* Пахтакорлар ҳақидаги шеърлар туркуми.

3 биол. Ҳимлик ва ҳайвонлар систематикасида бир неча оилани ўз ичига олган бўлинма. *Чумчуқсимон қўшлар туркумининг қарғасимонлар оиласи.*

◆ **Сўз туркумлари** грам. сўзларнинг грамматик группалари, мас. от, сифат, равиш.

**ТУРКУМЛАМОҚ** 1 Тўп-тўп қилиб бўлмоқ, гуруҳларга ажратмоқ.

2 биол. Туркумларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Балиқларни туркумламоқ.*

**ТУРКУМ-ТУРКУМ** Үтда-тўда, тўп-тўп. *Туркум-туркум йигит-қизлар келишди.* — Ҳар жой-ҳар жойда хотин-қизлар туркум-туркум тизилиб ғўза чопишяпти. С. Зуннунова, Олов.

**ТУРКЧА** 1 Туркларга, турк халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид (қ. **турклар** 1). *Туркча куй.* — Домла эски муқовали туркча китобларни илҳос билан қўлга олиб юривчи, ҳеч қилми менсимайдиган, кибр ва фитна Мирзажон Латифийни синфга бошлаб кирди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Турк тили. *Сиз туркча(ни) биласизми? || Туркча гапирмоқ.* — Мен туркчага, у ўзбекчага сал-пал тушунадиган бўлиб қолган эдик. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУРКЧИ** эск. Пантуркизм тарафдори, пантуркист.

**ТУРКЧИЛИК** эск. айн. пантуркизм.

**ТУРКШУНОС** айн. турколог.

**ТУРКШУНОСЛИК** айн. туркология.

**ТУРЛАМОҚ** 1 Турли-туман қилмоқ, ранг-баранг қилмоқ, ҳар хил, хилма-хил қилмоқ. *Экинларни жуда турлаб юборибсиз-ку!*

2 Бир-бирига мослаб, уйғунлаштириб танламоқ, хилламоқ. — *Осмон каби катта палакни хилма-хил ипак билан турлаб уч ойда тикиб тугатарми-канман? — Ҳў-ўзига шивирлади Зумрад.* Ойбек, Улуғ йўл.

3 грам. Сўзларни келишич қўшимчалари қўшиб ўзгартирмоқ. *Отларни келишичлар билан турламоқ.*

**ТУРЛАНИШ** 1 турланмоқ 1 фл. иш оти. *Ипакларнинг қўшида турланиши.*

2 Ҳар хил тусда кўриниш, товланмиш. 3 грам. Сўзларнинг келишич қўшимчалари олиб ўзгариши. *Отларнинг турланиши.*

**ТУРЛАНМОҚ** 1 турламоқ 1, 2 фл. мажх. н. Дўппининг гуллари жуда яхши турланибди. — *Сирлар билан турланган қозикларнинг бирига бева хотиннинг декчасидек бир салла илмиган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зиёфат самимият билан чақирилганликдан, дастурхон қадри меҳмонга махсус турланган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ҳар хил тусда кўринмоқ, товланмоқ. *Хилма-хил чечаклар билан қопланган дала турланиб кўринарди.* | Ҳар кунни ҳар хил кийинмоқ, ҳар хил тусга кирмоқ. *Бу хотин кунда турланади.* | *Кўчма* Фикрдан тез қайтмоқ, тез ўзгармоқ, ўзгариб турмоқ.

3 турламоқ 3 фл. ўзл. ва мажх. н. *Отлар келишичлар билан турланади.* — *От ўрнида қўлланган сифатлар кўплик, эгаллик ва келишич қўшимчалари билан, худди отлардек, турлана беради.* «Ўзбек тили дарслиғи».

**ТУРЛАНТИРМОҚ** турланмоқ 1, 2 фл. орт. н.

**ТУРЛИ** 1 Бир-бирига ўхшамаган, ҳар хил турга мансуб бўлган, ҳар хил. *Турли халқ вакиллари.* *Турли тилда сузлашувчи кишилар.* *Турли овозлар.* *Турли хил китоблар.* *Турли хил мато.*

— *Бойвачча ўзининг фарғоналик дўстлари билан бўлган ўтиришларидан, ҳар турли зиёфатлардан сўзлади.* Ойбек, Қутлуг қон. || *Истиқбол сўзини ҳар ким ҳар турли тушунади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бир турли** 1) бир хил, доим бирдек бўлиб ўзгармай турадиган. *Бу ошхонада доим бир турли овқат бўлади.* — *Қизлар ўзларининг бир турлигина сўрашишлари билан Кумуш ила кўриша бошладилар.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) қандайдир бошқача; ажиб. *Бу қизнинг ўзига хос бир турли фазилати бор эди.* — *Отабек қизик ҳолатда қолди: бир турли титраб кетди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кам қўлл. Каби, сингари, ўхшаш, янглиғ. *Илон тилли, яшин турли ханжарни обрў бер деб хилча белга боғлади.* «Равшан».

◆ **Иккинчи турли қилиб айтганда** бошқача (қилиб) айтганда.

**ТУРЛИЛИК** турли 1 с. белги оти. *Турлилик учун дастурхонга порт ҳам қўйилди.*

**ТУРЛИ-ТУМАН** Хилма-хил, ҳар хил. *Турли-туман овқатлар.* *Турли-туман хаёлларга бормоқ.* — *Бу чироқлар турли-туман эди: уларнинг ичида каттаси ҳам, кичиги ҳам, чақнаб тургани ҳам, хираси ҳам, оқи ҳам, қизғин тусдагиси ҳам бор эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУРЛИЧА** рещ Турли усулда, турли равишда, турли йўл билан. *Бу масалани турлича ечиш мумкин.* | Ҳар хил. *Бир гапни турлича тушуном.* ||

*Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТУРЛОВЧИ** турламоқ 1, 2 фл. иш оти.

◆ **Сўз турловчи аффикслар** грам. гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши учун хизмат қилувчи аффикслар.

**ТУРМА** [р тюрма] Маҳбуслар қамаладиган жой; қамоқхона. *Турмага солмоқ.* *Турмага қаммоқ.* — *Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатганда, ўшаларни Қудрат акам қочириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУРМАК** Ҳарб ёки туғиб боғланган нарса; боғ, туғун. *Сочни турмак қилиб қўймоқ.*

**ТУРМАҚЛАМОҚ** 1 Ҳарб ёки туғиб боғламоқ. *Майда-чуйда нарсаларини турмақлаб, Тошкентга жўнайдиган поезда тушдим.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уришилари. *Нимагадир орқасидан икки ўрим узун сочини бошига турмақлаб олди.* С. Зуннунова, Ҳўзилган ип.

2 Этагини, барини кўтариб белга боғламоқ, бар урмоқ. *Сувчи ятагининг этагини белга турмақлаб олди.*

**ТУРМАҚЛАНМОҚ** турмақламоқ фл. мажх. н. Сочни турмақланган хотин. — *Дилшод ерда турмақланган битта оқ қоғоз ётганини кўрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУРМАЛМОҚ** кам қўлл. Турмақлаб боғланмоқ, турмақланмоқ. *Ханянанинг сақиндай қора қуюқ сочи икки қубба қилиб бошига турмалган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

**ТУРМАЧИ** Турма назоратчиси.

**ТУРМОҚ** 1 Оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ. *Оёқ учиде турмоқ.* *Саф тортиб турмоқ.* *Тиз чўкиб яшагандан тик туриб йлган яхшироқ.* Мақол. — [Йўлчи] *қўл қовуштирмади, қандайдир хомушлик, бепарволик билан жимгина турди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Қирсам, Қўқонга кетган Қайом понсад уч-тўрт йигити билан қўшбегининг қаришида турибди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Оёқ узра бирор иш бажармоқ.* *Постда турмоқ.* *Қоровулликда турмоқ.* *Кун бўйи станок ёнида тураман.* — *Бу тепа устида доимий тўпчи ва қоровуллар турар эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Умуман бирор иш билан машғул, банд бўлмоқ.* *Мен уч йилдан бери магазинда тураман.* — *Тишдан қараганда эски, кўрмисиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Бирор вазият, ҳолат, мавқе эгалламоқ.* *Илғорлар қаторида турмоқ.* *Полк мудофаада турибди.*

2 Оёқларига ёки бирор асосга таяниб тик вазият олмақ, тик вазиятда бўлмоқ. *Отилан пичоқ тик турди.* *Ошиқ олчи турди.* — *Арча турар ўртада ёниб, Оқмоқдадир ҳарён шўгла-нур.* Ғайратий. *Бу пастқамлик хилагина*



катта ҳавза бўлиб, унинг теварақ-атрофида паст-баланд уйлар, эри-бугри деворлар, булар орасида сўпайиб турган якка-дуikka дарахтлар кўринар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. | Умуман бирор вазиятда қаердадир жойлашмоқ. Сандиқ устида бир туғунча турипти. Столда китоблар турар эди. Деворда осиг'лик турган портрет. — Урмонжон айвонга чиқди. Столда нон, жисза, дастурхонга ўроглик бир чойнак чой турар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Отабек жони ҳалқумига тиқилиб теварагига аланлади ва йўлакдан нарироқда уста Олимнинг деворига сўяглик турган замбилга кўзи тушиди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Бирор жойни эгалламоқ. Узи ҳам текшириб кўрди — тўғри эди. Шундан кейин учала ходани ҳам турган ерлариغا кўмдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Маълум жой ёки кимсада бўлмоқ, сақланмоқ. Китобингиз менда тура турсин. — Хўжайида менинг ҳақим турипти ҳали. Ойбек, Қутлуг қон. | Ҳа, ҳаммасини [пулни] бирдан олма,— секин гапирди Эшвой,— бир бўлагини ол. Қолгани бойда тургани маъқул. Ойбек, Қутлуг қон. | Ишла-тилмай, сарфланмай, сотилмай ва ш. к. сақланмоқ. Ун ҳали шундай турибди. Оч уйда нон турмас. Мақол.

4 Ётган ёки ўтирган ўрнидан қўзғалиб, тик бўлмоқ, кўпмоқ. Урнингдан тур. Ётган еримдан туриб кетдим. — Саҳарлаб турман, Далага юрман, Жўяклар олмоққа, Сувларни бурмоққа. Ғайратий. Қасалдан турмоқ соғайиб кетмоқ, шифо топиб касалдан бош кўтармоқ. У.. янги касалдан тургандай, сўлғин ва оқарган бўлиб, чироқнинг хира шуъласида қўрқинчли кўринар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Уйқудан турмоқ уйғонмоқ.

5 Истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ, яшамоқ. Сиз қаерда турасиз? Мен ўн йилдан буён Тошкентда турибман. — [Саркотиб:] Турар жойингиз? [Мухлис:] Зарқайнар, ёхуд катта чит растаси. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. | Маълум вақт бирор ерда бўлмоқ. Саёҳатчилар Самарқандда уч кун туришди.

6 Яшамоқ, умр кўрмоқ. Дунё тургунча туринг. | Тирик қолмоқ, яшаб кетмоқ (фарзанд ҳақида). Тургани шу ёлғиз ўғил. — [Кампир] боласи турмай-турмай, якка-ёлғиз арзандаси Турсунбойни, шамолни ҳам раво кўрмай, авайлаб боқиб катта қилди. С. Аҳмад, Уфқ.

7 Кутмоқ; сабр қилмоқ. Яна бироз туринг, дадам келади. Тура туррайлик-чи, автобус келиб қолар. — Бироз турдим, қарадим, Вақт кетаёттир. Унда-бунда юдузлар Тез ботаёттир. Ғайратий.

8 (ў.-п. к. билан) Бошқаларга нисбатан бирор мавқе эгалламоқ. Ҳокимият тепасида турмоқ. Тўйнинг бошида турмоқ. — «Инсон бахтли бўлсин» деб чўзиб, доҳий қўлини, Партия,

халқ отланган кураш бошида турди. Э. Раҳим.

9 Пул ёки маблар ҳисобида бирор қийматга эга бўлмоқ. Бу китоб жуда арзон туради. Бу туфли беш сўм туради. Олма неча пул туради? — [Ермат] ҳаммасини тушунтирди, от, арава беш минг сўм туради. Ойбек, Қутлуг қон.

10 Бузилмай, айнимай сақланмоқ (озик-овқат, полз экинлари, ҳўл мева ва ш. к. ҳақида). Узоқ турадиган қовун. Гул сўлмай турибди. Гўшт холодильникда яхши туради.

11 Кўчма Кўтарилмоқ, бошланмоқ. Кеча қаттиқ совуқ турди. Оёғимга оғриқ турди. Юрт пуфласа — шамол туради. Мақол.

12 Кўчма Бажарилиши, амалга оширилиши лозим вазифалар қаторида бўлмоқ. Олдимизда муҳим масала турибди. Мақтаб учун янги бино қуриш масаласи турар эди. — Темир.. сизларнинг олдингида деҳқончиликларингизни йўлга қўйиб юбориш вазифаси туради. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

13 Кўмачки феъл вазифасида келиб, ҳаракатнинг доимийлигини, такрорийлигини ёки давомийлигини ифодалайди. Соат юриб турибди. Тез-тез келиб тураман. Бу ариқда сув қишин-ёзин оқиб туради. — Тологимга, колхоз қурмоқчи бўлиб юрган батракларга саркорлик қилиб турган Сатторқул акам кўриниб қолди. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. У [Маҳмуд Торобий] ўзининг Муҳаммад ва Али исми икки укаси билан саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзгорни тебратиб турарди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Икромжон унга [Низомжонга] йегирилиб қаради. Унинг оқ оралаб қолган соқолларида ёш томчилари титраб турарди. С. Аҳмад, Уфқ. Олиб турмоқ 1) доимий равишда олмоқ, ҳар доим олмоқ. Чол пенсия олиб туради; 2) эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ, асрамоқ. Олиб чиққандан сўнг уни Марғилон ичида олиб туриб бўлмайди: то ром қилгунча бирорта қишлоққа юборишга тўғри келади [деди Ҳомид]. А. Қодирий, Утган кунлар.

14 «(и)б аффиксли равишдош формасида келиб, ўзидан олдинги равишдош билан бирга, ҳаракатнинг аини вақтда давом этгаётганини билдиради. Ишлаб туриб ўқимоқ. У йўлда кета туриб, сизни эсладим. У фелетон ўқиб туриб, таажжубланди. — Йигит велосипедни ёнбошлашиб туриб эгарга минди-да, бир қўлаб рулга тиралиб педалини босди. С. Аҳмад, Уфқ. Полвон елкасига ташлаб чиққан қийғини олди-да, уни икки учидан ушлаб туриб, бир икки айлантирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

15 «ган аффиксли сифатдош формасида ў.-п. к. билан) Бор бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ. Ручка турганда қаламда ёзининг нима кераги бор.

— Қора чироқ ёқмайман, Электрлар турганда. «Кўшиқлар».

◆ Бориб турган қ. бормоқ. Куракда турмайдиган қ. курак. Оёққа турмоқ қ. оёқ I I. Сўз(и)да турмоқ сўз(и)нинг, гап(и)нинг устидан чиқмоқ, ваъдага вафо қилмоқ. Турсанг сўз(и)да — ҳурмат юз(и)нада. Мақол. Тилимнинг учидан турибди қ. тил. Тура қочмоқ қочиб қолмоқ, тутқич бермай қочмоқ. [Шумилов:] Тура қочдилар? Бизнинг йигитлар-а? [Раҳим:] Йўқ, алдадик, фириб бердик, йигитлар қочиб бориб ўзлари қазиган хандақларига ётиб олдилар. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Туриб бермоқ бардош бермоқ, чидамоқ, чидаш бермоқ. Ҳозир мени ўғри дейсизларми, хотинбоз дейсизларми туриб бераман. С. Аҳмад, Ҳукм. Туриб олмоқ 1) турганича серрайиб, қимирламай тик қолмоқ. Бу бола менга қоронги қилиб туриб олибди; 2) ўз фикридан қайтмай қаттиқ турмоқ, ўз айтганини қилмоқ. «Кўзим очик экан, қизинени.. бердирмайман! Берадиган бўлсанг, олдин мени ўлдириб берасан!» деб туриб олди кампир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Туриб қолмоқ 1) оёқ узра туриб кутиб қолмоқ, узоқ вақт тик туриб қолмоқ. Станцияда поездни кутиб, кўп туриб қолдик. Болалар совуқда туриб қолмасин; 2) фойдаланилмай, ишлатилмай қолмоқ, қолиб кетмоқ, тўхтаб қолмоқ. Туриб қолган овқат. Складда туриб қолган мол. Туриб қолган қон. Тур, жўна (ёки йўқол, кет)! йўқол кўзимдан, деган маънони ифодаловчи ундалма. Тур-е! йўқол-е, кет-е каби маъноларни ифодаловчи ундалма. ...у ёқда турсин ҳатто, ҳаттоки. Ҳар ҳолда, ёз у ёқда турсин, ҳатто баҳорда ҳам шипалоқдек муз кўрмайдиган бу чатоқ тоғнинг оти Музлоқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Устун турмоқ бошқа нарсаларга нисбатан юқори даражада бўлмоқ, афзал бўлмоқ. Мирзакаримбойнинг қизы Нуриносанинг табиатида энгиллик билан мақр устун турар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Уртада турмоқ воситачи бўлмоқ, воситачилик қилмоқ. Бу ишда бой ўртада турмаса, билиб қўй, полвон, бир нима чиқиши қийин. Ойбек, Қутлуг қон. Қараб тур! қ. қарамоқ. Қараб турмоқ (ёки ўтирмоқ) 1) синчиқлаб қарамоқ, разм солмоқ, тикилмоқ. — Қизик! — деди ҳоким чолга қараб туриб. Унинг сўзи оҳанида масҳаралаш ҳам бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) бирор кимса ёки нарсага кўз-қулоқ бўлиб турмоқ ёки парвариш қилмоқ. Мен болага қараб турдим, онаси нон ёпди. — Саройда бир мунча молларимиз бўлар эди. [Ҳасанали] саройда молларга қараб турадир. А. Қодирий, Утган кунлар; 3) (асосан бўлишииз формада) дарров ишга тушмоқ, киришмоқ. [Йўлчи:] Мен қараб турмадим, пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбақар бўлдим. Ойбек, Қутлуг қон; 4) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ. Сиз уй солсангиз,

мен ҳам қараб турмайман. — [Бой:] Биттаси манми? Биттаси Шоюнус карвонми? Ҳар кимнинг қармони ўзига маълум. Аммо, бизлар қараб турмай- миз, қўлдан келганча, ҳукуматга ёрдам берамиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Қил устида турмоқ жиддий ҳавф остида турмоқ; жар, ҳалокат ёқасида турмоқ.

**ТУРМУШ** I Инсоннинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти: Ёр- қин турмуш. Фаровон турмуш кечирмоқ. Турмуш даражасини ошир- моқ. — Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади. Ойбек, О. в. шабадалар. Турмуш қаттиқчи- лигини татиб пишган Ботирали ду- нёда мўъжиза бўлмаслигини яхши би- лади. Ҳ. Фулом, Машъал. | Ҳаётнинг бирор ерда, маълум вақт давомида, маълум шароитда ўтган қисми ва унинг ҳусусиятлари. Ўрмондаги тур- мушни ўз кўзинг билан кўриб туриб- сан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эъзозсоннинг шаҳардаги шу уч ҳафталик турмуши унга қайтала- майдиган тушга, болалигида онасидан эшитган эртакларга ўхшаб кўринди. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Бирор халқ, социал группа ва ш. к.га хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, расм-таомиллар мажмуи. Янги тур- муш. Эски турмуш. — ЎзССРнинг ҳар бир граждани.. социалистик тур- муш қондаларини ҳурмат қилиши лозим. «ЎзССР Конституцияси».

3 филос. Жамиятнинг оддий ҳаёт шарт-шароитларини мажмуи, объектив реаллик. Турмуш онгни белгилайди.

4 с. т. Нихоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик. Турмуш қур- моқ. Турмушга чиқмоқ. Улар бирга эллик йил турмуш қилдилар. Турмуш ўртоғим. Уйламай қилинган турмуш тўйдан кейин бузилар. Мақол. — Ман- нон Уйғур ва бошқалар, турмушга чиқ- қанинғдан кейин уйда ўтириб қоласан, деб қўрқитганлариди шунинг учун ҳам кулиб юборган эдим. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

5 Кишининг бутун борлиги, бўлган- тургани. Унинг турмуши шу.

**ТУРМУШБУЗАР** Оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлувчи; оилабузар. Турмушбузар хотин. — Гўдақлар тақ- дири билан қизиқмайдиган турмуш- бузар оталар ҳам учраб туради. Т. Рўзибоев, Ёш авлодни тарбиялаш — муҳим вазифамиз.

**ТУРМУШЛАМОҚ** I Қайтариб белга кистирмоқ, бар урмоқ, турмаклагоқ. Этак турмушлаб, ёнбошига бир мушт- лаб, ҳайё-ху деб шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим. Ҳ. Фулом, Шум бола.

2 Ўраб, тугиб боғламоқ, сиқиб, их- чамлаб ўрамоқ. Ёғни бир қоғозга солиб турмушлаб, липпага қистирдим. Ҳ. Фулом, Шум бола.

**ТУРНА** Ботқоқлик ва кўлларда яшайдиган, оёғи, бўйни, тумшуги узун кўчманчи қуш. Урғочи турна. Турна

боласа. — Кўклам келди, учиб ўтди ғозу турналар. Ҳ. Фулом.

♦ **Турна** қатор қатор бўлиб тизил- ган, қатор-қатор. Қўчада турна қат- тор одам. — Бирдан сизни ҳалок бўлди деган овоза тарқалди. Мана шу ово- задан сўнж, уйимизга турна қатор совчилар кела бошлади. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ТУРНИК** [р<фр] Икки устунга горизонтал ҳолатда ўрнатилган темир тўсиндан иборат гимнастика снаряди. Турникда гимнастика қилмоқ. — Мана чинакам болалик: озода ва ёруғ синф- ларда ўқши, мактаб саҳнида ошқ ҳавода физкультура машқлари қилиш, ёнғоқ олдидеги турникда осилиб, чарх- палак бўлиш, шашка-шаҳмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш.. Мана болалик! П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУРНИР** [р<нем] Спортнинг шах- мат, шашка, футбол ва ш. к. турларида қатнашувчиларнинг ҳар бири маълум тартибда барча қатнашувчилар билан бир мартадан учрашадиган мусобақа. Халқаро шахмат турнири. Турнир жадавали. — Расмий мусобақалардан ташқари оила аъзолари ўртасида ҳам ҳар хил турнир, матчлар ўтказиб турилади. М. Муҳиддинов, Доналар мафтунги.

**ТУРОБ** I [а] эск. кт. Тупроқ; ер. Хоҳишингча, ўлмас эрса, коинот ўлсун тубро Сарғардон қон йиғласун ҳам ер- га кирсун офтоб. Ҳабибий.

2 Туроб (эркаклар исми). **ТУРОҚ** ад. Шеър мисраларида тақ- рорланувчи вазиий бирлик. Тўрт бўғинли туроқ. — Шеърда қофия, вазн, туроқ деган нарсалар бўлиши керак. Маъно, мантиқ.. бўлиши ке- рак. Ҳ. Тўхтабоев, Сарик девни ми- ниб.

**ТУРОҚЛИ** ад. Маълум туроқларга эга бўлган. Тўрт туроқли шеър.

**ТУРП** I [ф-т] Ҳосили кўкишроқ рангда бўладиган ва пиширилмай ов- қатга қўшиб ейиладиган сабзавот ўсим- лиги ва унинг ҳосили. Турпега сув қўй- моқ. Турп тўғрамоқ. — Шўрни ари- тиш учун.. сувни кўп талаб қи- ладиган шолғом ва турп экин энг яхши чора эмиш. А. Қодирий, Обид кетмон. Кекса темирчи чуқук турп билан ош- ейишни севади. Ш. Рашидов, Қуд- ратли тўлқин.

**ТУРП** II I Меванинг сиқиб сувни ёки шираси олингандан кейин ҳосил бўл- ган қолдиғи. Узум турпи. Беҳи турпи. — Норматпаранг кўкнор ивтиганда турпини доим томга ташлар экан. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Доннинг пўчоғи, пўсти. Турпи олинган мош.

**ТУРПТАРАШ** [ф-т] Сабзи, турп, ошқовоқ ва ш. к.ни қириш, тарашлаш учун хизмат қиладиган металл асбоб; қирғич. Турптарашда сабзи қирмоқ.

**ТУРТИЛМОҚ** туртмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Омонат девор, бир туртил- са — йиқилади. — Ҳайдар Жаҳл билан бурилиб, ўзини кутиб турган ҳалиги

нотиққа туртилаб кетди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ТУРТИНИБ-СУРТИНИБ** I У-бу нар- саларга урилиб, туртина-туртина. У [Нусратилла] туртиниб-суртиниб, де- ворларни ушлаб, қайси томонгадир юрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қийинчиликлар билан, қийналиб. Туртиниб-суртиниб ўқимоқ.

**ТУРТИНИШМОҚ** туртинмоқ фл. бирг. н. Болалар қоронғида туртини- шар ва қийқиришар эди.

**ТУРТИНМОҚ** I туртмоқ I фл. ўзл. н. Қоронғида стулга туртиниб кет- дим. — Позицияни маҳкамлашга буй- руқ берилди. Жангчилар қоронғида туртиниб, оқон каваял бошладилар. Ойбек, Куёш қораймас.

2 кўчма Панд емоқ, қоқилмоқ. Пах- та ишида қуруқ практика билан иш кўрсанг, охир туртинасан, қоқиласан. Ойбек, О. в. шабадалар. У ўзи босиб ўтган йўлга назар ташлади: ҳа, бир ярим йил бурун бир марта туртин- гани ҳақиқат. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 кўчма Қийналиб, тутилиб ўқнмоқ ёки гапирмоқ. [Гулсум] газета, китоб кўрса туртиниб ўқий бошлайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма Оғир, ноҳор ақволда қол- моқ, қийналмоқ. У жуда туртиниб қолди. — Сўнги йилларда у анча тур- тинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУРТИШМОҚ** туртмоқ фл. бирг. н. Улар [овқат сотувчилар] бир-бирлари- га тўқнашиб, бир-бирлари билан тур- тишиб, реестрон майдонида қулайроқ жойни эгаллаш учун иошилардилар. Айний, Эсдалиқлар. Жўра ҳам За- монга ўдағайлаб гапира бошлади. Ни- ҳоят туртишиб, муштлашиб ҳам ке- тишди. Н. Назаров, Замон.

**ТУРТКИ** I Қисқа, кескин зарб; уриш; урилиш. Ҳўкизга туртки, до- нога ишора кифоя. Мақол. — Собир.. юракнинг қандайдир ички турткиси билан деворга яқинлашди. Ойбек, О. в. шабадалар. Майли, халқнинг ичида бўлиб, юксалиш сари бормасдан, фа- қат бировларнинг турткиси билан юришини севадиганлар, текис йўлдан юраверсинлар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бирор иш, ҳаракат ва ш. к.нинг бошланиши, амалга ошиши, юзага чи- қиши учун важ, сабаб бўлган нарса, восита; ундов. Дўстлар ўша кунни яна чўл қувишга отланган эдилар: Ҳар ишга бир туртки сабаб деганларидек, уларнинг ҳам қалбига ўт солган Ма- матқаримнинг бир оғиз гапи бўлди. В. Абдуллаев, Қанотли орзулар.

3 кўчма Кишини хўрловчи, таққир- ловчи ҳаракат. Яна меҳнат, туртки, юпун, қиш кунни оч. Ҳ. Фулом. Туртки емоқ I) туртилиб зарб емоқ. Султон- мурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб узоқ юрди. Ойбек, Навоий; 2) кўчма хўрлик кўрмоқ, кам- ситилмоқ, таққирланмоқ. Саломат қақ- шоқ ўғай она билан чиқишолмади.

Хар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткииси қолмади. С. Аҳмад, Хукм.

**ТУРТКИЛАМОҚ I** Ҳа деб туртавермоқ, бетўхтов туртмоқ.

2 *кўчма* Бўлар-бўлмасга хўрлайвермоқ, камситмоқ. Унинг [Зумрадине] онаси ўлиб кетган, ўғай онаси унга нонни ҳам ўллагандай қилиб берар, камситиб турткиларди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 *кўчма* Қойиб, уришиб, дакки бериб турмоқ. У [Дилдор] ҳуснига ортиқча бино қўйганиданми, ҳар қалай венада эркароқ эди. Аммо Асрора ноз-фироқларига қарамай, турткилаб-турткилаб ишга соларди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТУРТКИЛАНМОҚ** турткиламоқ *фл. мажҳ.* н. Турткиланиб катта бўлган бола.

**ТУРТКИЛАШМОҚ** турткиламоқ *фл. бирг. н.* Болалар бир-бирларини турткилашардилар. Уни турткилашиб кун бермайдилар.

**ТУРТКИЧ** *тех.* Двигателларнинг клапанлари ва ш. к.га ҳаракат узатиб турувчи стержень, ўқ. Клапан турткичи.

**ТУРТМОҚ I** Қисқа муддатли кескин зарб бермоқ. Бировни беҳосдан туртиб юбормоқ. — Полвон одамларни итариб, туртиб ўтди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Шундай зарб билан бирор ишора қилмоқ. Қизча тирсаеи билан дугонасини туртиб қўйди. — [Давлатёр] Элмуродни туртиб: Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? Ху анави, ўртадаги қора камзулли! Қаранг,— деб пичирлади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Шундай зарб билан бирор нарсани сурмоқ, итармоқ. Оловни туртиб ёндирмоқ. — Синфдан Асад қори билан эллибощининг олдига тушиб қози чиқди.— Еқ буларни! — деди у, тахталарни ҳассаси билан туртиб. М. Исмоилвй, Фарғона т. о. Қовоқ девона, белидаги қовоқлардан битта эгри маймоғини кўрсатиб, «манови Мусулмон чўлоқ!» деди, унинг ёнидаги кичкина томоша қовоқни туртиб, «бунов, Худой бачча» [Худоёр бачча] деди. А. Қодирвй, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Хўрламоқ, турткиламоқ. Бировни ноҳақ туртиши, хўрлаш ярамайди. Ургандан туртган ёмон. Мақол. | Гап билан урмоқ. Йиғилиш жойида ўтди. У кишиларни анча туртиб, чангини қоқиб қўйди, дастлабки ютуқлар билан эсанқираб, хотиржамликка берилиб кетганларнинг кўзини очди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

3 с. т. «Кетмоқ», «ўтмоқ», «қўймоқ» феъллари билан бирга келиб «қайд қилмоқ», «табқилламоқ» маъноларини ифодалайди. Биз оқорида ҳам туртиб ўтган эдик-ки, Отабек на Юсуфбек ҳожига, на Ўзбек оймае ва на Ҳасаналига Марғилондан тез қайтиб келиши сабабини айтмаган. А. Қодирвй, Ўтган кунлар. Қолхозимиз тўғрисида бирор нарса ёзиш ниятлари бўлса, хо-

ламнинг ўзбек совет аёлларига мутлақо ёт бўлган мана шу ёввойилик одатларини ибрат учун қаламлари учида бир туртиб ўтсалар. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

◆ **Туртиб чиқмоқ** текис жойга нисбатан буртиб турмоқ, кўтарилиб турмоқ. Деворнинг туртиб чиққан жойлари. — У ер-бу ерда ҳайбатли тошлар ён томондан туртиб чиқиб қоларди. Булар қўлаган девор ва қадимий қўрғонларнинг харобаларини эсга туширарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТУРТТИРМОҚ** туртмоқ *фл. орт. н.* Мен сени турттириб қўяманми?

**ТУРУМ I** (3-ш. бирл. турми ва туруми) Эшик табақсининг тепадори ва остонадаги уяларга тушиб турадиган ва эшикнинг очилиб-ёпилишига имкон берадиган чиққч қисми. Унинг [Мунавварнинг] кўз олдидан .. тор кўча, очилганда туруми антиқа гийқиллайдиган пастаккича эски эшик, тоқиларини ис босган катта уй бир-бир ўтди. С. Анорбоев, Мехр.

◆ **Совчилар эшикнинг (ёки уйнинг) турумни бузишяпти** тинмай совчилар келиб турипти, совчилар келавериб қўйишмаяпти.— Совчилар келавериб, уйимизнинг турумни бузишяпти, қариндош,— деди Умар ака Қаромат холага. Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

**ТУРУМ II:** ётиб еганга турум тоғ чидамайди ишламай-кучламай ётиб еяверсанг, ҳеч қандай жамгарма етмайди, деган маънодаги ибора. Болаларим, мандан хафа бўлманглар. Ётиб еганга турум тоғ ҳам чидамайди. Пул устига пул келиб қўйишиб турмаса, ҳар қанча давлат ҳам дарров кетиб қолади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ТУРУМТОЙ** Йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб, совуқ жойларда яшайдиган қуш. «Майли, бубуллар қаторида турумтойлар ҳам сайрай берсинлар. Буларни ҳам тингловчилар бор»,— деди Амир Мўғул. Ойбек, Навоий.

**ТУРУР** *эск.* 3-шахс бирликда, кесим вазифасида келувчи аффикс формаси (-дир аффиксига мос келади). Мулла Мамажон ялқов Маҳамадали ўғлининг кундалик дафтери бу турур. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**ТУРУШ** [ф-т] I от Ачитиш, оширип ёки кўпчатиш учун ишлатиладиган восита (томизғи, хамиртуруш ва ш. к.). 2 *сфт* Нордон, қимизак. Туруш олма.

**ТУРФА** [а] Ажиблиги билан кишини ҳайратга соладиган; ажойиб, ғалати. Турфа савдолар бошига тушиди кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарае ўхшади энди умр занжирда. Ҳамза. Шоирларга ҳайрон бўлманг, Шоир халқи турфадир, Шетёр олами бу оламнинг эвасиеа тўхфадир. Э. Воҳидов.

**ТУРШАК** [ф-т] Данаги билан қуритилган ўрик. Қандак туршак. Туршак солмоқ. — Зебихон патнисида нон, туршак олиб чиқиб улар [меҳмонлар] олдига қўйди. С. Аҳмад, Уфқ. Мен

сени олганимда, офтобда қуриган туршакдек буришган, қопқора эдинг. С. Юнусов, Осон ишининг охи бор. **Туршак суви** туршакни сувда қайнатиб тайёрланадиган компот. Сайилда бир чеккада оғзи қўлогигача етган кнас сотувчилар, .. туршак суви сотувчилар, нўхатишўрақчилар ёш болаларнинг пулларини алдиб олмақдалар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ТУРҚ** Ташқи қиёфа, авзо, важоҳат. Турқи совуқ одам. Турқини бузмай гапирмоқ. Турқи(нг) курсин! (қарғ.). Турқингни ел есин! (қарғ.). — Турқи бузуқ эркакларнинг «ур уни [Ховсарни]! У кишлоғимизга иснод келтирди! ..» деб худди ҳайвондек ўкирганлари қўлоқларим остида қайта янгради. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Шу вақт буталар орасидан «кет!» деган йўғон товуш эшитилди. Бирдан итларнинг турқи ўзгарди-қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Ширмонхон ҳовлига чиқди. Осмон юзини қоплаган турқи хунук булутларга ташвишли назар ташлади. С. Зуннунова, Олов. Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб мулла Норқўзига ўқталди.— Ху ўл, турқинге курсин! А. Қаххор, Майнз емаган хотин.— Отинг ўчкур,— деди ичиде ўғай она Умидега тикилиб,— ҳали сен одам бўлиб қолдингми! Туришини қара, вой турқингни ел есин. Мирмуҳсин, Умид. **Турқи бор** (ган аффиксли сифатдош билан) «авзойидан, чамаси, фикри, ўйи бор» деган маънони ифодалайди. Қараб турсам, мени урадиган турқи бор. — Мен Исмоилжонга эътироз билдирмоқчи эдим. Йўқ, у бир бор қуруқ ўтинга ўхшарди. Бир нима десам, лов этиб ётиб кетадиган турқи бор. Жим қолдим. С. Анорбоев, Санамай саккиз дема. **Турқи йўқ** (ган аффиксли сифатдош билан) «авзойидан, чамаси, ўйи, фикри йўқ» деган маънони ифодалайди. Саидғозининг тезроқ уйига кетадиган турқи йўқ, чамаси, бир нима дейишга чоғланиб, пайт пойлаб турибди. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Гапнинг турқини ўзгартирмоқ** гапнинг оҳангини, шаклини ўзгартирмоқ. [Миробид] дарров гапнинг турқини ўзгартирди. В. Гофуров, Вафодор.

**ТУРҚ-АТВОР** Ташқи қиёфа ва феъл-атвор. Қайёқа бораман, нима қилман, қўлимдан нима иш келади? Шу турқи-атвор билан кимга ҳам керакман. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ТУРҒИЗДИРМОҚ** турғизмоқ *фл. орт. н.*

**ТУРҒИЗИЛМОҚ** турғизмоқ *фл. мажҳ.* н. Бемор ўрнидан турғизилди. Арқон боғлаб тикка турғизилган устун. — Отабек, Мирзақарим қутидор ва Офтоб ойим.. икки тул қуриган чинор ёғочи орасига турғизилган янги хаштин соғона қаршисида тўхтадилар. А. Қодирвй, Ўтган кунлар.

**ТУРҒИЗИШМОҚ** турғизмоқ *фл.* бирг. н. Биэни эрталаб соат саккизда турғизишиди. Йиқилган отни зўрга турғизишиди.

**ТУРҒИЗМОҚ** турмоқ 1, 2—5, 9 *фл. орт.* н. Анорхон кампирни суяб турғизди, қучоқлаб сўридан пастга тушириб, офтобада сув келтириб берди. И. Раҳим, Ихлос. Даврада уч жуфт олишиб ётарди. Одамларнинг қийқириқ ва ҳа-ҳалари ҳокимни ўрнидан турғизиб юборди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Оёққа турғизмоқ** 1) ётган, ўтирган ёки йиқилган еридан турғизиб қўймоқ. Ойсулуви даст кўтариб оёққа турғизди-да, ердан пўстинни олиб, унинг устига ёнди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма тикламоқ, оёққа бостирмоқ, йўлга солиб юриштириб юбормоқ. Қолхозни оёққа турғиздик; 3) кўчма оёқлантирмоқ, бирор ншга бошламоқ. Кўнгила тасалли берувчи, одамни ҳамиша оёққа турғизувчи, йўлатувчи, курашга чорловчи чигил жумбоқлар кўп бу оламда. С. Аҳмад, Уфқ.

◆ **Ётқизиб турғизмоқ** кимсага истаганча ўз ҳукмини ўтказмоқ, кимсани истаганча ўз амрига бўйсундирмоқ.

**ТУРҒУН** 1 Бирор жойда доимий яшовчи, ўрнашиб қолган; муқим; Шаҳарнинг турғун халқи. || Мен шарқдан бўламан, Осмеликман, Куёш дастгоҳи бўлган эллардан, Шу ернинг турғуни, одам боласи Тарих ёзолмаган қадим йиллардан. Ғ. Ғуллом, || Сен айтганча, кўёвни Тошкентдан иккинчи уйланмасин-да, Қумушини қудаларинг олдига турғун қилиб борайлик, тузукми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Гулбодомнинг] руҳи шод бўласин деб, Чорбакирда турғун бўлиб қолдим. С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Ўзгармас бўлган, доимий, барқарор. Турғун мувозанат. Турғун ҳолат. Барча ташкилотларни турғун кадрлар билан таъминлаш. — Ҳаётда ҳеч нарса турғун бўлиб қолмаганидай, театрда ҳам кўп нарсалар ўзгарди. С. Кароматов, Ҳижрон.

3 Тўхтаб, туриб қолган, ҳаракат қилмайдиган; ҳаракатсиз; оқмас. Турғун сув. — У кўзларини ҳовуздаги турғун кўжимтир сувга тикиб йўлади. Ойбек, Кутлуғ қон.

4 Турғун (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ТУРҒУНЛАШМОҚ** 1 Бирор жойда яшаб кетмоқ, ўрнашиб, муқим туриб қолмоқ. Биз шаҳарда турғунлашиб қолдик.

2 Турғун ҳолатга келмоқ, турғун бўлиб қолмоқ. Болаларнинг диққати турғунлашиди.

**ТУРҒУНЛИК** 1 турғун 1—3 с. белги оти. Мувозанатнинг турғунлиги. Аҳолининг турғунлиги. Суенинг турғунлиги.

2 Ўзгармай, ривожланмай, бир жойда туриб қолиш; ҳаракатсизлик, завол. Иқтисодий турғунлик. — Шоир [Ғ. Ғуллом] бир ёқламалikka ва турғунликка

қариш .. кескин кураш олиб борди. Ш. Рашидов, Ғ. Ғуллом хотираси.

**ТУС** 1 1 Ранг-бўёқнинг бир-биридан кўриниши билан фарқ қиладиган ҳар бир айрим тури. Қизил тус. Буқаламун доим тусини ўзгартириб туради. — Унинг оққа яқин сариқ юзи шинель ва қулоқчиннинг қул ранг тусидан унча ажралиб турмасди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Нарсаларнинг табиий ранги ёки уларга кейин бериладиган ранг, бўёқ. [Давлатёр] туси ўнаиб кетган эски рўймоқ билан пешана ва қулоқларини ўраб, устидан бир эски қора телпакни бостириб кийиб олган эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Моллар, хайвонлар терисининг ранги, ранг нозиклиги. Бу ердаги отлар турли тусда ва турли бичида бўлиб, зотли, нодир отлар эди, Ойбек, Кутлуғ қон.

3 Юзнинг қизиллик даражаси; ранг, қут. [Мадрасага кирган] бу одамнинг туси бугдойранг бўлиб, юзи тўла ва силлиқ эди. Айний, Эсдаликлар. Аҳмад Хусайннинг туси оқариб кетди, кўзлари туманлашди ва ҳансиради. Ойбек, Нур қидириб. Саидғози бир дамда тусини ўзгартирди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 Ташқи кўриниш, қиёфа, тахлит. Жиддий тус билан гапирмоқ. — Қоронғида яхши ажратолмадим, тусини ғира-ширт анови қора Ҳомидга ўхшатдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нафис кийимлар билан ёш келин тусига кирган Холжон бир неча кун ёқут деразадан ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтирди. Ғайратий, Довдираш. Бундай қарасам, қишлоқларингга шаҳар туси кирибди. Ж. Шарипов, Саодат. Тус олмақ қандайдир характер, қиёфа, кўриниш касб этмоқ. Рационализаторлик ҳаракати оммавий тус олди. Сўхбат самимий тус олди. Аҳвол кескин (жиддий) тус олди. — Йўл ёқасидаги жанг даҳшатли тус олган эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон узидан. — Сенлар ишларингени қилаверинглар, ҳозир бориб у бебуронинг [Дилдорнинг] додини бериб қўйяй. Вой тусингени ел егур, — деди Асрора қизларга. С. Аҳмад, Уфқ.

◆ **Одат тусига кирмоқ** одатга айланмоқ, одат бўлиб қолмоқ. Эрталабки гимнастика менда одат тусига кириб қолди.

**ТУС** II [Чуст географик номидан]: тус дўппи ёки тус нухса дўппи қора ёки кўк сатиндан тўрт каржигга тўртта қалампи нухса оқ гул тикилган ва Ўзбекистонда кенг тарқалган дўппи тури. Узун бўйли яланг оёқ бир киши ашулани ванг қўйиб кириб келди. Ҳамма ялт этиб унга қаради: эски тус дўппи бошида яримта, юмалоқланган беқасам тўйни чап елкасида. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ТУСАМОҚ** Бирор нарса ёки кимсани жуда ҳам истамоқ, бирор нарсага, кимсага кўнгли сус кетмоқ. Кўнглим ҳеч нарсани тисамаяпти. — Қумри

бир неча кундан буён нордон-нордон нарсалар, айниқса ғўрани кўнгли тусайди. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда. Сизни тусаб мен Чамбилга келаман. «Нигор ва Замон».

**ТУСЛАМОҚ** грам. Феълларни шахс, сон ва замонда ўзгартирмоқ. Феълларни ҳозирги замонда тусламоқ.

**ТУСЛАНИШ** 1 Ҳар хил тусда кўриниш, товланиш. Товуснинг ранг-баранг тусланиши.

2 грам. Феълларнинг шахс, сон ва замонда ўзгариши. Феълларнинг ўтган замонда тусланиши.

**ТУСЛАНМОҚ** 1 Ранг-баранг бўлиб товланмоқ. Атлас электр нурида ҳар хил бўлиб тусланади.

2 грам. Шаҳс, сон ва замонда ўзгармоқ (феъллар ҳақида).

**ТУСЛАШ** грам. Феълларни шахс, сон ва замонда ўзгартирши.

**ТУСЛИ** Маълум тусга эга бўлган, маълум рангдаги. Оқ тусли от. Сариқ тусли мато. — Кўз илғамас кенг майдонлар ям-яшил кийди кулиб қумуши тусли оқ жома. Ҳабибий.

**ТУСЛОВЧИ** грам. Шаҳс, сон ва замонда ўзгартирувчи. Тусловчи қўшимчалар.

**ТУСМОЛ** Аниқ билмаган ҳолда ўзинча қилинган гумон; тахмин, чама. Менгиз тусмолимча. Тусмол қилмоқ. — Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги .. ҳақида ўз шубҳа ва тусмолларини гаплашдилар. П. Турсун, Уқитувчи. Ой ботиб, кеча қоронғиланиб қолган, жуда авайлаб, тусмол билан ҳаракат қилимиз. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ТУСМОЛЛАБ** рвш Тусмол билан, чама билан, тахмин қилиб, тахминан. Тусмоллаб ёшини аниқламоқ. Тусмоллаб қадам босмоқ. Тусмоллаб кўймоқ. — Толомидан кўраман, азиз ога, уларнинг [қариндошларининг] қаердалиги, мол-қолларини аниқ билмайман. Тусмоллаб топиб оларман. А. Ҳақимов, Илон узидан. Тусмоллаб сўрамоқ ўсмоқчилаб сўраб ўз тахминини аниқламоқ. — Абдували, сиз Матийёз билан бир мактабни битиргансиз-а? — тусмоллаб сўради Мунира. Ф. Мусажонов, Лофчи.

**ТУСМОЛЛАМОҚ** Аниқ билмаган ҳолда ўзинча тахмин қилмоқ, тусмол қилмоқ; тусмол билан иш тутмоқ. Тусмоллаб гапирмоқ. — Иккинчи план.. — деди ўзича райком секретари «буниси нима экан» дегандай. Кейин тусмоллади. Қўшимча мажбуриятми? М. Муродов, Бувижонлар.

**ТУССИЗ** Туси бўлмаган, туси, ранги йўқ; рангсиз. Туссиз газ. — Бек эшикни очди. Қуллат унинг докадек туссиз юзига қараб қулди. Ҳ. Ғуллом, Машвал.

**ТУСТОВУҚ** Товуқлар зотига мансуб, патлари чиройли, асосан тўқайзорларда яшайдиган ов қуши; қирғовул. Тустовуқ овламоқ. — Ҳақимжон акамлар эртага хизматимда бўлинглар, дедилар. Тустовуқ, ғоз, қози, гўшт кийди, тандир кабобларнинг

чорасини кўриб тур! — деди Эсам-берди Сайфиға. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

**ТУТ** [ф-т] 1 Барглари ипак қурти учун асосий озиқ бўладиган жануб дарахти.

2 Шу дарахтнинг тотли оқ, қизил ёки қора меваси. Балиқ тут айн. балх(и) тут қ. балх(и). Марвартак тут айн. марварид тут қ. марварид. Тут майиз қуритилган тут меваси, қуруқ тут. Шу кеча унга [Қимсанга] бошпана бериб, нон, тут майиз, қурт, айрон билан меҳмон қилдилар. С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан. Қўноқ тут меваси ейилмайдиган оч қизил тут.

◆ Ер тути с. т. айн. қулупнай. Тутдай тўкилмоқ 1) қирилмоқ, қирилиб кетмоқ; маҳв бўлмоқ. Душман аскарлари тутдай тўкилди; 2) пугурдан кетиб емирлмоқ, вайрон бўлмоқ. Тутдай тўкилиб турган деворлар. — Кўз камаштирувчи бу чаманзор ёнида тутдай тўкилиб турган икки уй бўлиб, буларнинг бирида — кунгайдагида Гулбодомларнинг.. сигури, унинг ёнидаги.. уйда эса, ўзлари туришарди. С. Кароматов, Бир томчи қон; 3) эскириб, тўзиб йиртилмоқ, йиртилиб (ситилиб) кетмоқ, йиртилиб тушмоқ (кийим ҳақида). Қўйлағим тутдай тўкилиб кетди. Юраги тутдай тўкилди қ. юрак 2.

**ТУТА** [ф-т] Пахтадан ип йиғириш учун тайёрланган пилта.

**ТУТАК** [ф-т] Пахтадан қўлда ип йиғиришда ишлатиладиган қовоқ найча.

**ТУТАЛ** диал. Ишониб бўлмайдиган нарса, гап; уйдирма. Шаҳардаги ҳар ким унинг .. қизиқ ҳаракатларига ва тутал сўзларига қизиқар эди. А. Қодирий, Утган қулар.

**ТУТАМ** Нарсаларнинг тутамлаш ёки сикимлаш мумкин бўлган миқдори; Бир тутам соч. Бир тутам пахта. — Робия хола бир тутам печак ўтти жўякка ташлаб, қўлларини қоққанича Ширмонхон қаршисига юрди. С. Зуннунова, Олов. [Навой:] Осмондаги дабдабали, аммо, фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

◆ Бир тутам бўлиб қолмоқ озин-тўзиб кичкина бўлиб қолмоқ. [Пирназар полвон] ҳол сўраб келганларга мулоим, хушсуханлик билан муомала қилди. Улар кетаётганида рози-ризолик сўради. Сабрияюму бунни кўриб, куйганидан бир тутамгина бўлди-қолди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда. Бир тутам кун қисқа кун. Бир тутам қиш кунни. Гулнор учун битмас-туғанмас узоқ кўринди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ёз туни (ёки кечаси) бир тутам ёз кечаси қисқа (бўлади). Пардавой ота тунни бедор ўтказди. Кўз туни бир тутам ёз кечаси эмаски, бош қўйдинг — тонг отса. А. Азизхўжаев, Чол кўнгли.

**ТУТАМЛАМОҚ** Кафт орасига олиб

ушламоқ, тутмоқ. Сочини тутамламоқ. — Қовоғини солиб, соқолини тутамлаб гапга жимгина қулоқ солиб ўтирган уста: «Қани бу ёққа юр», — деди [бангга]. О. Екубов, Ларза.

**ТУТАМЛАТМОҚ** тутамламоқ фл. орт. н.

**ТУТАМЛАШМОҚ** тутамламоқ фл. бирг. н.

**ТУТАМОҚ** 1 Тутунланиб ёнмоқ, буруқсимок; тутун чиқармоқ. Печка тутаб кетяпти. Хўл ўтти тутайди, ёнмайди. — Тутаб ётган тўнка ёнида сочлари ёсиб соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мудуҳқа қоронғуликқа қарши курашган каби гулханни ёндиришига тиришар.. эди. А. Қодирий, Утган қулар. Аҳмаджон ўрнидан турди ва хануз тутамоқда бўлган қишлоқни кўрсатди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Ис чиқариб, шисани қорайтириб ёнмоқ (чироқ ҳақида).

3 Кўчма Тутамоқ, тутатқиб кетмоқ, қизишмоқ; ёнмоқ. Ҳайдарбой ичичидан тутаб кетди. Н. Фозилов, Оқим. Қиздан жавоб бўлмаган, Ойшахон баттар тутай бошлади: Минг марталаб айтганман бу мегажинга, бир нимани тайинли қилиб қўйгин деб. А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

**ТУТАНОҚ** диал. Тутаноқ, тутатқиб кетмоқ, қизишмоқ. У бирдан тутаниб кетди. — Гўрўғлибекнинг бол Авазга «Раъйиндан қайтгин!» деганида Авазгон ўтдай ёниб, олоддай тутаниб отасига қараб бир сўз айтгани. «Хушкелди».

**ТУТАНОҚ** I диал. Тутқаноқ, қуёнчиқ. Қизинг энди ўшанинг тутаноғини эшитиб кўнғилсиз бўлиб турганди-да. Ҳамза, Паранжи сирлари. || Тагин унинг тутаноқ дарди.. бунинг устига ортиқча. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ТУТАНОҚ** II Ғайрати ичига сиймайдиган, шўх. Елена тутаноқ дўстининг [Надянинг] озгина хатога йўл қўйганлигини билса ҳам, юзига солиб баттар куйдиргиси келмади. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ТУТАНОҚЛИК** тутаноқ II с. белги оти. [Йиғит-қизларнинг] шу ғайратлари, шу тутаноқликлари бўлса, марра бизники, деб қўйди Қодиржон. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

**ТУТАНТИРИҚ** Ўт олдириб олиш учун хизмат қиладиган майда тараша, пайраха ва ш. к.; тутатқи. Қуруқ тутантириқ. — [Афанди:] Қозонни осиб қарайдики, ўчоққа тутантириқ йўқ. «Латифалар».

◆ Тутантириқ ҳам бўлмайди жуда оз, кифоя қилмайди, урвоқ ҳам бўлмайди.

**ТУТАТИШМОҚ** тутатмоқ фл. бирг. н. Талғатбой чўнтагидан папирос қутисини чиқариб очди. Ёўронбек билан Қомил ҳам унга қўшилиб тутатишди. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

**ТУТАМОҚ** 1 тутамоқ фл. орт. н. Печкани тутатмоқ. — Орадан ярим

соат ўтгандан кейин, полвон секин кўзини очиб, .. бекнинг олдига бир сиким сомон тутатиб қўйишни сўради. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. | Тутун бостирмоқ, тутунга тўлдирмоқ. Папирос чекавериб, уйни тутатиб юборибсиз. Исирик-тутатмоқ этн. гўё кўздан, фалокатдан ва ш. к.дан сақлаш учун исирикни буруқсатиб қўймоқ ёки уни буруқсатиб бировнинг бошидан, атрофидан айлантирмоқ. — Шошилма, болам, — кампир тандир томонга югурди ва хокандозда исирик тутатиб келиб, Норматнинг бошидан айлантирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўт олдириб, ёндириб олмоқ. Салимхон ҳозир келиб тугатган папироснинг ўтидан иккинчисини тутатиб, Саидийни меҳмонларга танитди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Чекмок (папиросни). Бектемир ёнида махорка тутатиб ўтирган ёшига рус жангчини туртди. Ойбек, Кўш қораймас.

**ТУТАТИРМОҚ** тутатмоқ фл. орт. н. Ўзбек ойлм Ойбодоқдан исирик тутатириб, аввало Қумушига солдирар.. эди. А. Қодирий, Утган қулар.

**ТУТАТҚИ** I диал. Тутантириқ. Тутатқи ҳам бўлмайди айн. тутантириқ ҳам бўлмайди қ. тутантириқ.

**ТУТАТҚИ** II этн. 1 Тутатилганда гўё касаллик, фалокат ва ш. к.ни даф этувчи нарса ва уларни тутатиб даволаш. Васиқангни тумор қилиб тақмайман, иштиб ҳам ичмайман, тутатқи қилиб куйдирмайман, ўзингга қайтариб бераман. Айний, Докунда. Кейинги «беш-бош домла»нинг берган тутатқи, эзиб ички, дуо туморлари ҳам негадир таъсир асарини сездирмадилар. А. Қодирий, Утган қулар.

2 Тутатиладиган ҳар қандай хушбўй нарса ёки восита (мас. исирик).

**ТУТАШ** 1 тутамоқ фл. иш. оти. Самоварнинг туташши. Исирикнинг туташши.

**ТУТАШ** II 1 Бир-бирига тутатиб кетган, узилмайдиган, узлуксиз. Туташ чизик. Кетганча туташ ўрмон. — Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган. Ойбек, Қутлуғ қон. Қўча туташ балчиқ бўлганидан болаларнинг ўйини тугул, юришга ҳам ижгон йўқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ёнида, қаторида турган, ёндош, ёнма-ён жойлашган, бир-бирига уланиб, қўшилиб кетган. Икки колхоз ерлари бир-бирига туташ. — Биз Нигора билан ён қўшимиз. Ховлимиз ховлимизга туташ: М. Қориев, Ойдин кечалар. Айвонга туташ кичик уйга жой ҳозирланган эди, [Ботирнинг ур-тоқлари] ўша ерга кириб ўтиришди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. | Бир-бирига қўшилиб, тутатиб кетган, пай-васта (қош ҳақида). Қиз бу диффа Халилға қаттиқ тикилганидан, гўё қандайдир иссиқ бир нур сонгандай, туташ қошлари билан бир нималар



сўзлаб бергандай бўлди. Туйғун, Дўстлик севинчлари.

◆ **Туташ идишлар** физ. бир-бирига туташтирилиб ишланган идишлар.

**ТУТАШМОҚ I** Алангалаймоқ, аланга олмақ; ишқ ўтида ёнмоқ. Сиз ўзингизни тупроқ билан тенгелаштирмакчи бўлгансиз, лекин мен ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай, Олтин-биби деб атамоқ фикрига тушдим.. Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташгани ҳолда, завжингиз **Отабек**. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳеч ким мениндек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо туташдим мен ўзим сўзона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

2 фольк. Тутақмоқ, қизишмоқ. **Жуда** ҳам туташиб кетди **Ҳакимхон**. «Ал-поминиш». Арзирумдан экан асли элати, Туташган боладир — кўндир ғайрати. «Нигор ва Замон».

**ТУТАШМОҚ II** 1 Туташ бўлмоқ, бир-бирига ёпишмоқ, чегарадош бўлмоқ. Қолхоз территорияси дарёга бориб туташади. ■ Бундан чиқадиған сув билан, .. мактаб участкасинигина эмас, унда туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. [Аёл] Найманчанинг эски шаҳар растасига туташиб кетадиган кўчасидан, пастликдан чиқиб келмоқда эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Чатишган қариндош бўлмоқ, чатишмоқ. **Тожбой** ўзи камбағаллардан бўлса ҳам, томири **Олахўжа** махсус билан туташган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир-бирининг ичига кириб, киришиб қўшилиб кетмоқ, бирлашмоқ. **Урик** шоҳлари бир-бирига туташиб кетилти. ■ Уфқларга туташиб кетган чўлнинг у ер-бу ерида қовжираб турган шувоқ муттасил кезиб юрган чўл шабадасида қалтираб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ҳалма** бир-бирига туташиб бир тан, бир жон бўлиб кетгандек, ғуж турар, бир хил нафас оларди. М. Исмоний, Фарғона т. о. | Бир-бирига қўшилмоқ, пайваста бўлмоқ (қош ҳақида). **Қуюқ қора сочили**, пешанаси кенг, қошлари бир-бирига туташиб кетаёзган бу елкадор йигитнинг таърифини полжда эшитган эдим. А. Убайдуллаев, Қонли издан. **Адолатнинг юзи бирдан жиддий**лашди. **Қора қошлари туташиб**, кўзларида ғазаб чақнади. С. Зуннунова, Гулхан.

**ТУТАШТИРИЛМОҚ I** туташтирмақ I фл. мажх. н. Учоққа ўт туташтирилди. Папирослар туташтирилди.

**ТУТАШТИРИЛМОҚ II** туташтирмақ II фл. мажх. н. Туташтириб қурилган иморатлар.

**ТУТАШТИРМОҚ I** туташмоқ I фл. орт. н. Саловарчи ўчоққа тараша қалаб, ўтни туташтириб юборди. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота. Туташтирма мендай шоҳи мардингни, Гуноҳкор қилганман ўз фарзандимни. «Ширин билан Шакар».

2 Ут олдирмоқ, ёндириб, тутатиб олмақ (папирос ҳақида).

**ТУТАШТИРМОҚ II** туташмоқ II фл. орт. н. Йўлак охиридаги айвончанинг шарқ томонида ва унга туташтириб узун ҳам баланд бир шийпон қурилган. Айний, Эсдаликлар. [Назокат] иккала қошини туташтириб қалин ўсма қўяр, ҳатто устахонада ҳам кўп вақтини ўсма тортиш билан ўтказарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТУТАШУВ** туташмоқ II фл. иш оти. Шохларнинг бир-бирига туташуви. **Қисқа туташув** эл. электр занжирининг энг қисқа йўл билан тўппа-тўғри улашиб қолниши.

**ТУТАҚИШМОҚ I** тутақмоқ I фл. бирг. н.

2 айн. тутақмоқ I. **Сорахон** «шунча иш бўлган экан, мен қаерда эдим, доим уйдаман-қў», дейиш ўрнига тутақчишиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТУТАҚМОҚ I** Аччиғидан, ғазабдан ўзини тута олмай бирдан қизишиб кетмоқ, дарғазаб бўлмоқ. **Дома шу қадар дарғазаб бўлдикки**, азбаройи тутаққанидан кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Н. Мақсудий, Лайлатулкадр.

2 кўчма **Ҳарорати** кўтарилиб аланган оташ бўлиб ёнмоқ. **Иситмадан тутақиб кетялман**.

3 кўчма **Чанқамоқ**, сувсаб қовжирамоқ. — **Нега қиққирасиз, Адолат? Бирор ерга ўт кетибдими? — Ғўзага ўт кетибди; қаранг, тутақиб ётибди.** И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ТУТАҚТИРМОҚ** тутақмоқ фл. орт. н. Саёғозининг қўйқисдан айтган бу янгилиги .. асаби бузилиброқ турган **Шербекни тутақтириб** юборди. С. Анорбоев, Оқсой. **Кўёш** даратзорларни тутақтириб .. узоқда отларда югуришган йигитларнинг дубулғаларида олов чақнатиб, уфққа чўкди. **Ойбек**, Навоий.

**ТУТЗОР** [ф-т] Нуқул тут билан банд ер, майдон. **Ипакчилик** учун **Туркиёлк** вакили билан қилинган шартномада беш гектар **тутзор** қилишни колхоз ўз устига олган. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ТУТИЛИНҚИРАМОҚ** **Бироз** тутилиб гапирмоқ, нутқда бироз тутилмоқ. **Отабек тутилинқираброқ** [Кумушга] «муборак бўлсин!» деди. А. Қодирий, Утган кунлар. — **Й-йўқ .. б-биров!**.. — деди ҳовлиқиб, **тутилинқираб Раъно**. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТУТИЛИШ I** тутилмоқ фл. иш оти. **Жиноятчининг тутилиши**. Деразаларга парда тутилиши лозим. **Кўрпа-ёстиқлар** озода тутилиши керак. ■ **Петров** бу хатни бераркан, уни ёнда сақламаслик кераклигини, тутилиши таҳлиласи ўтганлигига ишонган тақдирда ҳам,.. гоят зўтиёткорлик ва сергаклик билан **Андреевга** топшириш лозимлигини йўлчига уқдирган эди. **Ойбек**, Кутлуг қон.

2 астр. **Осмон** жисмларининг, хусусан **Ой** ва **Кўёшнинг**, бошқа жисмлар ёки уларнинг сояси билан бекилиб қисқа муддатга қоронғилашиш

ҳодисаси. **Ойнинг тутилиши**. **Кўёшнинг тутилиши**ни кузатиш. ■ У [Аҳмад маҳдум] белгилаган вақтда ойнинг юзюда ҳеч бир тутилиш нишонаси қолмай, бутунлай очилди. Айний, Эсдаликлар.

**ТУТИЛИҚМОҚ** кам қўлл. айн. **тутилинқирамоқ**. **Зайнаб** бу саволнинг жавобига қолганда бир оз тутилиқди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТУТИЛМОҚ I** тутмоқ I—4, 7—14, 16, 17 фл. мажх. н. **Жиноятчи** кеча тутилди. Тутилган балиқларни пиширмақ. **Деразаларга парда тутилган эди**. **Ҳовли** доим озода тутилади. **Емғирдан қутулиб**, қорға тутилдим. **Матаал**. ■ **Ёзлик қизил чойхонанинг атрофига чий тутилиб**, ҳар ер-ҳар еридан туйнук қўйилган, бу туйнукларга газета, қоғозлар ёпиштирилган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Гулсал** қулгил гапларни, **тутилмаган** латифаларни кўп биларди. **Ойбек**, **Улуғ йўл**. **Элмурод** итабда тутилиб қолди. У итабдан йўлдош ва яна бир рус киши билан чиқди. **Шухрат**, **Шинелли** йиллар. **Қизлар** чуғур-чуғур қилиб, **қурт** тутилган уйга кириб кетишди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 **Дудуқланиб** гапирмоқ, дудуқланмоқ. **Бола бироз тутилиб гапирди.** | **Қийналиб** гапирмоқ. [Умарали:] **Рус** тилини нича билиб қолдим; **тутилиб** бўлса-да, гаплашадиган бўлялман. **Ойбек**, **Улуғ йўл**. | **Рўйи-рост**, равон гапира олмай қолмоқ, сўзидан адашиб гапирмоқ. **Нима** дейишни билмай, [Полвоннинг] тили тутилди. **Ж. Шарипов**, **Хоразм**. **Қолоқ** ҷеҳ бошиқлари бирин-кетин минбарга чиқиб, **қулоқларига**ча қизариб, **тутилиб-тутилиб** ҳисоб бердилар. А. Муҳиддин, Юзга айтганнинг заҳри йўқ.

3 Гапидан, сўзидан, оғзидан илинмоқ. **Ҳа, ҳа, тутилдингиз**. У деганингиз ким? **Ҳали** Тошкентда ҳеч кишини йўқ демобдиндингиз. **Ойдан**, **Кўнгли** тўлдими, яхши йнгит.

4 астр. **Бошқа** жисмлар ёки уларнинг сояси билан бекилиб қоронғилашиб қолмоқ (асосан **Ой** ва **Кўёш** ҳақида). **Ой тутилган тун** ҳали ҳам эсимда. ■ «**Кун тутилди**», — деб шу чоқ мардум бор абалини данғиллатди. «Эрали ва Шерали».

**ТУТИНИШМОҚ I** тутинмоқ I фл. бирг. н. **Бинокорлар ғайрат** билан ишга тутинишди.

**ТУТИНИШМОҚ II** тутинмоқ II фл. бирг. н. [Маждидов] уста **Болимонни** ёнидан қўймайди, ёшлиғида оғайни тутинишган экан. А. Мухтор, **Давр** менинг тақдиримда. **Эъзозхон** билан кўндан бери **опа-сингил** тутинишган **Эътибор опа**, **Тозагул**, **Кумриларни** қўя берасиз. Ҳ. Фулом, **Машъал**.

**ТУТИНМОҚ I** тутмоқ I фл. ўзл. н. **Ўқийшдан** қўл силтаб кетадиган оғир кунларни ҳам кўрди, аммо ҳамма вақт ўзини жар ёқасида ёлғиз кучли қўллар билангина **тутиниб** турган ҳис қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.



2 (ж. к. билан) Бирор ишни бажара бошламоқ, бирор ишга киришмоқ. Ишга тутинмоқ. ■ Йўлчи қармоқни кўл бўйига суқиб, ўзи хашак йиғиштиришга тутинди. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.

**ТУТИНМОҚ** II Қимса билан аҳлашиб қалин дўст, ўртоқ, томир бўлмоқ, қариндошдек муносабат боғламоқ. Ака-ука тутинмоқ. Дўст тутинмоқ. ■ — Э-э-э,— деди Қурбон ота,— Ўрмонжон? Ўрмонжон менинг тутинган йўлим-ку! А. Қахҳор, Қўшчинор. Маҳбубахон опам билан биз опа-сингил тутинганмиз. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ТУТИНТИРМОҚ** I тутинмоқ I фл. орт. н. Кучимиз борича [одамларнинг] бирини оёққа турғизиб, бирини олдинга итариб, бирини ҳодага тутинтириб, катта бир сафни сайзроқ жойга чиқариб олдик. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТУТИНТИРМОҚ** II тутинмоқ II фл. орт. н. [Майсара Нодирга:] Сен тур мен ҳозир, Тоҳир келгандир, олиб келиб кўриштиурман. Чўпон билан Ойхонни ҳам келтириб сизлар билан қийматлик ака-ука тутинтиурман. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ТУТИШМОҚ** тутмоқ I—4, 6—17 фл. бирг. н. Пионерлар космонавтларга гулдасталар тутшиди. Овчилар йўлбарсни тирик тутшиди. ■ — Мен фиррому муттахам билан қўл тутшииб сўрашмайман,— деди Николаев. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. Онахоннинг устахонада бўз тўқиб топганин: икки қизча рўзгорда учма-уч қилиб, бинойидек уй тутшиади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТУТМОҚ** I Қўл билан ушламоқ, ушлаб турмоқ; тутинмоқ. Бир қўлда китоб, бир қўлда гулдаста тутиб турмоқ. Боланинг қўлидан тутмоқ. Отнинг жиловидан тутмоқ. Қўр тутганини қўйма, кар — зийтганини. Мақол. ■ Темирчи уста қаҳру ғазаб билан ичкари кирди ва тикка бориб, Хайринисанинг кўеи бўлмиш йигитининг ёқасидан тутди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. | Умуман тишида тишлаб, оғзига солиб, қулоғига қистириб ва ш. к. йўллар билан ушлаб турмоқ. Найранғоз оғзида чўғни тутиб турди. Қасосб пичоғини тишида тутиб, икки қўли билан қўйининг терисини шилди.

2 Овлаб, қувиб, изидан бориб ва ш. к. йўллар билан ушламоқ, ушлаб олмақ, қўлга туширмоқ. Балиқ тутмоқ. Қуён тутиб олмақ. Уғрини тутмоқ. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак. Мақол. ■ — Мен Раҳмонкул босмачини ўз қўли билан советга тутиб берган Мадамин бўлман,— деди у. П. Турсун, Уқитувчи. | Ҳаракатдаги нарсани ушлаб олмақ, ушлаб қолмоқ; ҳаракатдан тўхтатиб қўлига киритмоқ. Ҳаводаги коптокни тутмоқ. Пишиша тутмоқ. Отилган арқонни тутиб олмақ.

3 Бирор нарсани илтифотан кимсага

таклиф қилмоқ, фойдаланиш учун тўғриламоқ, бермоқ. Меҳмонларга сочиқ тутмоқ. ■ Чол белбоғидан нос қовоғини олиб, ўтирганларга тутди. С. Ахмад, Ҳуқм. [Сулу] ҳеч нарсага қарамай, сакраб туриб, ҳансираб қолган отасини юпатгиси, совуқ айрон тутиб, елкасини силлагиси келарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Дуодан сўнг, Отабек тўриқ йўрғани чиқариб қутидорга тутди. А. Қодиррий, Ўтган кунлар. Сув тутмоқ I) ювиниши учун бирор кимсанинг қўлига сув келтириб қуймоқ. Ҳаёт ўтинни ўчоққа қалаб қўйиб, дарров отасининг қўлига обдастада сув тутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) экинга сув қуймоқ, экинни суғормоқ. Колхозимиз пахтазорларида ўн икки йилдан буён сув тутаман. М. Жуманазаров, Ғўзани чанқатиб қўйманг.

4 Бирор нарсани бошқа нарсага тўғрилаб, рўбарў қилиб ушламоқ, солмоқ. Хатни чироқ ёруғига тутиб ўқимоқ. ■ Отбоқар фонусни яна Бўтабойнинг юзига тутди. А. Қахҳор, Қўшчинор. | Исиниш ёки иситиш мақсадида оловга ёки қуёшга солмоқ, тобламоқ. Елкасини офтобга тутмоқ. ■ Ҳожи қўлларини ўтга тутиб, иситиб, хурсанд бўлиб ўтирибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. | Бирор нарсанинг йўлига қўндаланг қилиб ушламоқ, узатиб, чўзиб ёки чиқариб турмоқ. Айланатган парракни таёқ тутиб тўхтатиб қўймоқ. Чодир тутиб тут қоқмоқ. Оёғини тутиб чалиб юбормоқ. ■ У [Татьяна] орқасига қайрилиб, осмонга қаради. Қўлда юлдузлар йўқ. «Наҳотки, ёмғир...» анча вақтгача кафтини тутиб турди, лекин томчи томмади. И. Раҳим, Ихлос.

5 Кўйма Ўз қўлида сақламоқ, қўлдан бермай ушлаб турмоқ. Ҳокимиятнинг тутиб турмоқ. Ўз позицияларини тутиб турмоқ. Жангчиларимиз тепаликни тутиб туриш учун бутун воситаларни ишга солдилар. ■ Азамат .. комбатнинг .. мадаб кучи етиб боргунча душманни тутиб туриш ҳақидаги фармонини Эргашевга айтди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. | Ўзида ушлаб ёки кўтариб турмоқ; мужассамламоқ. Рама машинанинг ҳамма қисмларини тутиб турди.

6 Кўйма Тиймоқ, босмоқ, ушламоқ. Қулгидан ўзини зўрга тутмоқ. ■ У кўзларига тўлган томчиларни базўр тутиб жавоб берди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ўзини тутмоқ I) ўзини босмоқ, тиймоқ; ўзини қўлга ола билмоқ. Йиғидан ўзини тутмоқ. У қулгидан ўзини тутолмади. ■ — Мен сизларга айтсам,— деди Бобоқул ота ўзини тутиб олиб.— Иларни фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қириларди, экинлар нобуд бўларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) ўзини бирор тарзда ушламоқ. Ўзини баланд тутмоқ. Ўзини катта-

лардек тутмоқ, Ўзини тетик тутмоқ.

■ У [жувон] йўлда бўлиб ўтган нарсани тамом унутганлиги... унақа гаплардан ўзини юқори тутганлиги кўриниб турар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор; 3) ўзини эплаб қолмоқ, оёққа турмоқ. Колхоз ҳам ўзини тутган. ■ Эрталаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо халқ энди ўзини анча тутиб қолган эди. А. Қодиррий, Ўтган кунлар. Упкасини тутмоқ қ. ўпка I.

7 Кўйма Идора қилмоқ, бошқармоқ. Рўзгор тутмоқ. ■ Яхши қилиб юртни тутди, Ким ҳам бўлса йўл кўрсатди. Эргаш шоир. | Ўз қўли остидаги, измидаги, қарамондаги кимсаларга қандайдир муносабатда, муомалада бўлмоқ. Болани бўйи тутмиш ярамайди. Сингелини кафтингда тутсанг, онанени бошингда тут. Мақол. ■ Шариад хотинни қаттиқ тутмиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча гафлатда қолишини энди пойлайди. А. Қахҳор, Майиз емаган хотин. Ўзбек ойимнинг «келинни хор тутар экан демасинлар, сен ҳам ўзини тутат!» деб айтгани учун, Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўйилиб ясанан, кеча эрга теккан энги келинлар суратига кирган эди. А. Қодиррий, Ўтган кунлар.

8 Бирор тарзда ишлатмоқ, фойдаланмоқ, қўлланмоқ. Идиш-товоқни, кўрна-ёстиқларни тоза тутмоқ. | Умуман фойдаланмоқ, ишлатмоқ. Бу идишни тутманг. Қўзойнак тутмоқ.

9 Парвариш қилмоқ, боқмоқ (пилла қуртини). Мен беишваринг қурт тутинглар, бешта одам бўйисинг демокчи эмасман. А. Қахҳор, Кампирлар сим қоқди.

10 Ишлатиш, фойдаланиш учун ўз ихтиёрида, қарамонда олиб турмоқ, сақламоқ. Қани иложи бўлса, битта одам тутмасдан, бутун ишни ўзим эплай олсам. Ойбек, Қутлуғ қон.

11 Сақламоқ; қолдирмоқ. Эзда тутмоқ. Сир тутмоқ. Маълумотларни пинҳон тутмоқ. ■ Ўйғон, боғла белинги, Далага сол йўлингени. Единида тут ҳамшира Фолиб, шонли элингни! А. Пўлат. Ундан сўнг иккинчи шарт: бу сир фақат иккимизнинг орамиздагина қоладир, ўзинг ҳам сезган бўлсанг керакки, Жаннат опани этга овора қилишим, уни ҳам бу сирдан ташқарида тутмиш учун эди. А. Қодиррий, Ўтган кунлар.

12 Кўйма Ўз фаолиятида, ишида бирор йўлни ўтказмоқ, амалга оширмоқ, маълум йўлдан бормоқ. Каттиқ сие-сат тутмоқ. Тўғри йўл тутмоқ.

13 Барча тартиб-қондаларга риоя қилган ҳолда амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ, қилмоқ. Рўза тутмоқ. Аза тутмоқ. ■ [Давронкул ота] ўз қадрдонидан айрилиб қолган, кўп вақтгача мотам тутиб уяча-мунча йиғинларни ҳам тарк этди. А. Абдуазимов, Йиллар достони.

14 (ж. к. билан) Бирор иш, гап ва ш. к. билан банд, овора қилиб, ушлаб

қолмоқ, кетказмай қўймоқ. Гапга тутмоқ. Ишга тутиб қолмоқ. — Бундан бошқа, эшонни сўзга тутса, «келаси даромаднинг ҳам қўлдан кетиши эҳтимолли бор, шунга биноан маҳдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | (т. к. билан) Гов бўлиб, халақит бериб ва ш. к. йўллар билан иш-ҳаракатни секинлатмоқ ёки тўхтатмоқ. Қўлни тутадиган иш.

15 Ишғол қилмоқ, эгалламоқ, молик бўлмоқ. Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни. — Азизбек ёнида [Осуфбек хожи] қандай мавқе тутган бўлса, Нормухаммад қушбеги олдида ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ойшахон оилада эр-какча мавқе тутар, оиланинг «жиловли» унинг қўлида эди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Неча кун бир-бирини кўрмай, Ваҳшийлар тоғда жой тутди. «Ёдгор».

16 Ҳисобламоқ, санамоқ, ... деб билмоқ. Ҳар қилми дўст тутиб бўлмайди. Бировга осон тутма. Маъзур тутмоқ. — [Азизбек] қилчоқларнинг қайтадан Тошкент устига келишларини эҳтимол ҳам тутмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

17 Пардалаш, тўсиш, қоплаш ва ш. к. мақсадлар учун ўрнатмоқ, боғлаб, илиб ёки осиб қўймоқ. Паишахона тутмоқ. Деразаларга парда тутмоқ. Этак тутиб пахта термоқ. | Бирор нарса билан бекитмоқ, қопламоқ, тўсмоқ. Дастрўмолни юзига тутиб йиғламоқ. Эг оғзига элак тутиб бўлмас. Мақол. — Бахмал паранжили хотин чиммат тутган юзини Азим Тажанг томонда хиёл ўғирди-ю, бир-икки томоқ қириш билан қифояланди, жавоб бермади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Атрофлаб ёки четига бирор нарса тикмоқ, махкамламоқ. Рамкага ҳошия тутмоқ. — Қора читдан адип тутган Қизил байроқ. Ғ. Фулом. Богнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат; ариқларда сув қумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади. Ойбек, Қутлуг қон.

18 Қўпайиб, тарқалиб, ёйилиб ва ш. к. йўллар билан маълум жойни эгалламоқ, қоплаб олмақ, босмоқ. Самоварнинг буги уйни тутиб кетди. Қўй-эчкиларнинг маъраши кўчани тутган эди. — Йилқий, пода, сурувлар, Дард кўрмай ўсса дейман, Тоғу тошга сиғишмай, Яйловни тутса дейман. Қ. Муҳаммадий. Қўнғироқдай товуши билан Гулсун ҳам қўйишқичга жўр бўлгандагина ҳамма ёқни одам тутиб кетганини кўрди. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Машинадан ўрта ёшлардаги сал қорин ташлаган, қалин қошлари кўзларини тутиб кетган бир киши тушди. С. Аҳмад, Чўл бургути. | кўчма Таралмоқ, ёйилмоқ. Қўнғилим сизга мойил бўлмай, кимга

мойил бўлсин. Ахир, шухратингиз оламни тутган. М. Осим, Утрор. Достоннинг овозаси оламни тутди. Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди.

19 Кўзимоқ, қўзиб қолмоқ, бирдан бошланмоқ (одатда инсон табиатида бўладиган турли хислатлар ҳақида). Отанинг тантилиги тутиб кетди. Унинг жазаваси тутди. — Ҳиндининг ҳам ҳиммати тутиб кетиб, сарроф халтадан битта беш сўмлик тилла олиб берди. Ғ. Фулом, Шум бола. Гапинг рост бўлса, қани юр! Ёки дангасалигинг тутиб, ишлагинг келмайтибдими? А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Кичкина доктор.

20 Бошланмоқ, бошланиб қолмоқ, хуруж қилмоқ (одатда дард, касаллик, оғриқ ҳақида). Боланинг иситмаси тутяпти. Безгагим тутиб қолди. Унинг йўтали тутиб қолди. — Низомиддинов оғриқ тутайтгандек, баширасини бужжайтирди. С. Аҳмад, Хукм. | (т. к. билан) Босмоқ, қамраб олмақ. Умарқулни совуқ, изғирин, қоронғилик, ваҳима, очлик ўраб олди, баданини қалтироқ тутди, юришга дармон қолмади. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

21 Амал олмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ (янги кўчат ёки пайванд ҳақида). Богбон ўзи эккан ё улакан кўчати тутиб, бўй тортиб кетгунча, ҳар кун тагига неча марта келади. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Онда-сонда кўчатлар ўтқазилган экан-у, кўпи тутмапти. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ Кўз тутмоқ қ. кўз. Кўзда тутмоқ айн. назарда тутмоқ қ. назар. Мотга тутмоқ мот қилмоқ. Тутган жойидан кесмоқ ўз сўзида қатъий турмоқ, ўз айтганини қилдирмоқ. Низомжон онасининг феълини яхши билади. У тутган жойидан кесадиган хотинлардан. С. Аҳмад, Уфқ. Умид тутмоқ қ. умид 1. Уққа (ёки тўпга) тутмоқ автомат, пулемёт ёки тўп (замбарак) воситасида шиддатли ўқ ёдирмоқ. Қўндан бери қутилган жанг тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позициямизни ниҳоятда қаттиқ тўпга тутиши билан бошланиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТУТТИРМОҚ тутмоқ 2—4, 7—15, 17—20 фл. орт. н. Кўзичоқ туттирмади. — Ҳосилни туттириб қолеунча, унинг [Жўрвазини] ўз сўзича, она суги оғзига келди. Й. Шамшаров, Кўрқ меъморлари.

ТУ-ТУ унд. с. Товуқларни чақиршида ишлатилади.

ТУТУМ Иш туттиш йўсини. Тутумлари жойида, истараси иссиқ, сўзамол бола оила ағзоларига ёқиб қолди. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари. Қандолат Барноларнинг тутумини тутиб, кийимини кийган эмас. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ТУТУН Бирор нарса ёнганда ҳавога ажралиб чиқадиган майда зарралардан иборат гассимон моддалар мажмуи. Папирос тутуни. Уй тутунга

тўлди. Тутун осмонга кўтарилиб кетди. — Уларнинг мўрисида, Тутун чиқар буралиб. Уйғун. Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг ишфалари, оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланди. Ҳ. Шамс, Душман.

◆ Тутун пули тар. хонадон эгасидан яшаб турган жойи учун олинадиган солиқ. Узингни бос, Жоломбой, сени ҳеч ким ҳайдамайди. Онанга мен пул юбораман, майли «тутун пули»ни тўласин. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Тутуни чиқди тутақди, тутақиб, газани ошиб кетди. Уша қўни Фармонов .. кўнгли гаши бўлиб юрган эди, иш суръатини кўриб баттар тутуни чиқди. А. Мухтор, Чинор. Тутуни кўкка (ёки осмонга) чиқди роса тутақди, фиғони фалакка чиқди. Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тегиш» қабилида бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-газабини эри устига тўқади. А. Қодирий, Утган кунлар. Тутун қайтармоқ дағл. буюрилган ишдан бош тортмоқ, иш буюрган кишига важкорсон кўрсатиб ишдан ўзини олиб қочмоқ. Кечагина Содик, десам, «лаб-бай!» дейдиган бола, бузун тутун қайтариб, димоғингда гапирадиган бўлиб қолибсан. И. Раҳим, Ихлос.

ТУТУНЛАНМОҚ Тутун чиқармоқ, буруқсимок. Самолёт бирдан тутунланди-ю, ера ишғиди. — Узоқда тутунланган ўрмонлар орқасидан самолётлар пайдо бўлади. Ойбек, Куёш қораймас.

ТУТУНЛИ Тутун чиқарадиган, тутаб турадиган, тутайдиган. Тутунли порох. Тутунли мўри.

ТУТУНСИЗ Тутун чиқармайдиган, тутуни йўқ. Тутунсиз порох. Тутунсиз уй бўлмас, ёзиқсиз — ийишт. Мақол. — Бирор қишлоққа ўт кетса, одамлар дарҳол воқиф бўладилар, ёнгин даф этилади. Юрак ёнса-чи? Унсиз, тутунсиз лаққа чўғ бўлиб ёниб, кулга айланган дил оҳ-зорини иштиувичи борми? С. Қароматов, Хижрон.

ТУТУРИҚ Қимсаннинг ўз сўзида, ваъдасида тура олиш хислати; лафз, бурд. Тутуриғи йўқ одам. — Наҳотки, кечагина техникага бirkитилган болаларни яна қайтариб, тупроққо ишига қўйишга тўғри келса! Болалар олдида лафз, тутуриқ қоладими? А. Мухтор, Туғилиш. | Тайинли маъно, мазмун. Тутуриғи йўқ гап. — [Уста Турдиали:] Йўқ, мен бу дунёдаги ишларинг бетутуриқ деб юрсам, охиратдаги ишларингда ҳам тутуриқ йўқ экан. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

ТУТУРИҚЛИ Тутуриғи, бурди бор; сўзида, лафзида турадиган; бурдли. Тутуриқли одам. | Тайинли, маъноли. Тутуриқли гап.

ТУТУРИҚСИЗ Тутуриғи, бурди йўқ; сўзида, лафзида турмайдиган; бебурд. Тутуриқсиз одам. | Бетайин, бемаъни. Авазхон .. қизларнинг кўзига ўзини янада ваҳимали қилиб кўрсатиш мақ-

садида уйдирма гапларни тўқийди, уларни олди-қонди тутуриқсиз гапларга ишонтиради. «Авазхон билан Зулфизар». Бобоалининг темир панжасида Мирзо Ёдгор гаранг эди, хансираб, тутуриқсиз нималардир сўзларди. Ойбек, Навоий.

**ТУТУРИҚСИЗЛИК** 1 тутуриқсиз с. белги оти. Мақсумжоннинг сўзидан қандайдир бир тутуриқсизликнинг ҳиди буруқсиз турарди. Ғайратий, Довдиран.

2 Тутуриқсиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, бетайинлик. Тутуриқсизлик қилмоқ. — [Онахон] Назокатнинг яна паранжи ёпиниб олиб, ўтакетган туриқсизлик қилганини эшитгач, қаттиқ ҳафа бўлган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТУТУ-ТУВАЛОҚ** диал. Шиллик қурт.

**ТУТУҚ** 1 Тутиб қўйилган; тутуқли. Парда тутуқ дераза.

2 эск. айн. апостроф.

**ТУТУҚ** II диал. Дудуқ.

**ТУТУҚЛИ** Тутиб қўйилган, тугтилган. Ойналарда парда тутуқли эди.

**ТУТЧИЛИК** Тут дарахти ўстириш, етиштириш. Ипак қурти учун асосий оқат базаси бўлган тутчиликка эътибор бермоқ.

**ТУТҚА** Даста, тутқич. Эшик тутқаси. — Душаннинг отаси .. тутқаси ялтиллаб турган ҳассасини олиб ўз хонасига кириб кетади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТУТҚАЗИЛМОҚ** тутқазмоқ фл. мажх. н. Унинг қўлига гувоҳнома тутқазилди.

**ТУТҚАЗМОҚ** айн. тутқизмоқ. Чол саман той жиловини Мирҳосилага тутқазиб, чодир орқасига ўтиб кетди. Х. Ғуллом, Машъал. [Рафиқ:] Шундай қилиб қизталоқ Ғаффор қўрбоши думини тутқазмагач, ўзини ютқазмагача уринди. С. Савд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ТУТҚАЛОҚ** диал. Тутқаноқ, қуёнчиқ. Соҳиллар мироба: Тутқалоғи тутди, итваччанинг,— деб кулди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТУТҚАНОҚ** 1 мед. Тўсатдан тугтиб қоладиган ва бунда киши ўзини ерга отиб акашак бўлиб қоладиган, бедаво асаб касаллиги; қуёнчиқ, эпиплексия. Тутқаноғи бор одам. Тутқаноқ касаллиги. — Салим ваҳиманинг тутқаноғи яна бошланди. Асаби жуда чатоқ экан боланинг. А. Мухтор, Чинор.

2 Шундай касалга йўлиққан одам.

**ТУТҚАНОҚЛИ** Тутқаноқ касалга мубтало бўлган, тутқаноғи бор. Тутқаноқли бола.

**ТУТҚИ** айн. тутқа.

**ТУТҚИЗИЛМОҚ** тутқизмоқ 1 фл. мажх. н.

**ТУТҚИЗМОҚ** 1 тутмоқ 2—4, 7—10, 12, 13, 17—19, 20 фл. орт. н. У кийимларини менга тутқизиб, сугага шўнғиди. — Йўли ўтиргач, Шокир ота-

нинг етим набираларини .. ўлиб, узумдан икки бошини уларнинг қўлига тутқизди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 (фақат бўлишсиз ф-да) Тутқич бермай юрмоқ, тутдирмаслик. Бедана ҳеч тутқизмайтти.

**ТУТҚИЛАМОҚ** с. т. Ушлаб тортавермоқ, тортқиламоқ. Бола онасининг этагидан тутқиларди.

**ТУТҚИЛАШМОҚ** тутқиламоқ фл. бирг. н.

**ТУТҚИЧ** 1 Нарсаларнинг қўл билан ушлаш учун хизмат қиладиган қисми, даста. Дераза тутқичи. — Паранжи-чачон ёпинган аёллар деразаларни астагина силаб кўришар, ичкарига мўралаб, бўялган эшикнинг ялтироқ, чиройли шиша тутқичларини авайлабгина ушлаб қўйишарди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Турли нарсалар қистириб қўядиган буюм, қисқич. Ювилган кийимларни тутқич билан тишламоқ.

♦ **Тутқич бермоқ** (кўпинча бўлишсиз ф-да) ўзини тутдириб қўймоқ. Қуён тутқич бермай қочди. — Қуш ҳам итага тутқич бермай яна пириллаб учди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТУТҚИЧЛИ** Тутқичи бор, тутқичга эга бўлган. Шиша тутқичли эшик.

**ТУТҚИЧСИЗ** Тутқичи йўқ, тутқичга эга бўлмаган. Тутқичсиз дераза.

**ТУТҚОҚ** айн. тутқалоқ.

**ТУТҚУН** 1 Асир олинган ёки асир тушган одам; асир, банди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳалиги туркман .. яна тутқунлар қошида пайдо бўлди. Айний, Қуллар. [Тоғамни] тутқун қилиб олганлардан бири мен билан ўзлари орасида ўтган воқеани у ердагиларга айтиб берди. Айний, Эсдаликлар. Фарзандим, ёлғизим, Ғанимларга тутқун бўлиб қолмагин. «Равшан». || Ясовул тоғуши чиққан томонга қараб, юеуриб келаятган бир қизни кўрди ва юзини тутқун йиғитга йеуриб: — Сенинг номинг Ёдгорми? — деб сўради. Айний, Дохунда.

2 Қўйма Эрки, ҳуқуқи ўзида бўлмаган, ҳуқуқи биров ихтиёрида бўлган. Сени кўрдим, ёдимга тушиди, Ешигимда кўрган бир жувон. Ўзи суҳсур каби гўзал эди, Фақат тутқун, бағри тўла қон. Уйғун. || Биз балиқ овловчи, тутқун қуллармиз, Не тутсак, хон томон дарҳол йўллармиз. С. Абдулла. [Зумрад] шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови аллақачон тушган эди. С. Зуннунова, Гулжан. Одамларни «худо», «жаннат», «дўзах» деган гаплар билан қўрқитиб, жаҳолат зулматида тутқун қилмоқчи бўласиз. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТУТҚУНЛИК** 1 тутқун с. мажх. от. Тутқунликдан .. қутқазилган Гулнорнинг қуйдек учуси келар, лекин бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Асирликдаги ёки эрксиз, ҳақ-ҳуқуқсиз шаронгдаги ҳаёт; асорат.

Сенинг эркинг, ҳаққинг ўғирлаб Ироданга занжир солган ким? Эрк макони бўлган йўлда, Нечун қолдинг тутқунликда жим! Зулфия.

**ТУФ** I унд. с. 1 Тупурганда ҳосил бўладиган тоғуш ҳақида. **Туф дөмоқ** 1) тупурмоқ. [Мадам:] Ҳисоб-ки-тобни олдингизди қилман. Сағирнинг ҳақи менга эмас, менинг ҳақим сағирга ўтмаса, юзимга туф денг. П. Турсун, Уқитувчи; 2) «кўз тегмасин» деган маънода айтиладиган сўз. **Туф де, кўзинг тегасди, касофат.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУФ** II [р<лат] геол. Курилитп материали сифатида ишлатиладиган ровак рангдор тоғ жинси.

**ТУФАЙЛИ** I [а] кўм. (б. к. билан) Сабабли; орқасида. Сен туфайли кеч қолдим. Менга қилган яхшиликисиз туфайли шунчалик одам бўлдим. — Партияга қалбдан ташаққур, Йўлимиз пок унинг туфайли. В. Мирза. Ҳозир ядро реакторларида уран ядроларининг парчаланиши туфайли жуда кўп радиоактив моддалар олинади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10. Сиз туфайли бу ерга келдим. — Бегойим қизини туфайли шу тахлит қўйиб-ёнганидан кейин эрига дағдага қила бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУФАЙЛИ** II [а] эск. Биров ҳисобига ҳаёт кечирувчи; текинхўр. Ундай туфайлиларни битирмоқ керак эди. Ойбек, Навоий.

**ТУФАЙЛИДАН** с. т. айн. туфайли I. Муштипар волидаи мухтарамлар! Биз шўронинг туфайлидан рўшнолик кўрдик. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТУФДОН** Тупуриш учун қўйилган маҳсус идиш. Туфдон одатда касалнинг бош томонида полга қўйилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**ТУФЛАМОҚ** Тупламоқ, тупурмоқ. Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афти буришиб, туфлагани жой излади, туфлади. А. Қаҳор, Мунофиқ.

**ТУФЛАШМОҚ** туфламоқ фл. бирг. н.

**ТУФЛИ** [р] Тупиқдан паст оёқ кийими. Баланд поинкали туфли. Амиркон туфли. Туфли киймоқ. — Қабулга келган қиз шинамешна туфлисининг баланд поиналарини тақиллатиб, стул олдиға юриб келди-да, атлас кўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТУФ-ТУФ** туф I с. тақр.— Қўй кўриб бундақангисини кўрган эмасман! Елкасигача нақ ёр бўлиб кетибди, йўлда кўзланган бўлмасин, туф-туф! — деди хотин. С. Абдулла, Соялар.

**ТУХМАК** I [ф-т] мед. Қўзга қон қуйилиши, кўзнинг қизариши билан характерланадиган касаллик.

**ТУХМАК** II [ф-т] Воҳаларда ўсадиган сариқ гулли ўсимлик.

**ТУХУМ** [ф-т] I Ўрғочи парранда, тошбақа ва бошқа баъзи ҳайвонларнинг бола очиш учун қўядиган, қобик

билан ўралган жинсий юмurtқаси. *Товуқнинг тухуми. Урдикнинг тухуми. Тухум қилмоқ.* | Овқат сифатида ишлатиладиган шундай юмurtқа. *Қовурилган тухум. Тухум ютмоқ. Тухум босмоқ* 1) тухум қилиш учун мояк устида ўтирмақ. *Бундан роса ўн йил бурун мана шу болохонадаги қазноқда тухум босиб ётган фаранги товуқ бирданига қоқолаб том орқасига — Собиржон қориникига ушиб тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) жўжа очиш учун маълум вақт тухумларга бағрини бериб ётмоқ; 3) *кўчма* уйдан эшикка чиқмай ётмоқ, ҳеч бир иш қилмай, лоқайд юравермоқ. *Раҳим тагин чета суриларди, балки яна чакагини боғлаб уйда тухум босиб қоларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тухум босгирмоқ** жўжа очиб чиқарсин учун, товуқни бир неча тухум устига ўтиргизмоқ, тагинга тухум қўймоқ. *Қомилжон бостирган тухумлар жўжа бўлмади паллада чиқиб қолдими?* И. Раҳим, Ихлос. **Тухум очмоқ** тухум босиб ётиб жўжа чиқармоқ. **Тухум уриштирмоқ** (ёки **ўйнамоқ**) пишган тухумларни бир-бирига уриб, кимники синмай қолишга ўйнамоқ. *Икки ариқнинг атрофида чойхоналар очиларди .. Киморбозлик бўларди, мазорлардан шайх өз қаландарлар келарди.. тухум ўйнашарди, сўнгра мастбозлик.* И. Раҳим, Ихлос. **Тухумга кирмоқ** тухум қила бошламоқ. *Товуғимиз тухумга кириб қолди. Тухумдан чиқмоқ* 1) тухум қилмай қўймоқ; 2) тухумни ёриб чиқмоқ, жўжаламоқ.

2 *биол.* Жинсий хужайра. *Тухум йўли. Тухум хужайраси.*

3 *бот.* Уруғ. *Ошқовоқнинг тухуми.*

4 *кўчма* Насл, авлод, зурриёт. *Тухуми қуриган хайвонлар.* — *Кўк қурт!* Ёмон офат. *Ўзанинг заволи. Тезда тухум-тухумини қуришни керак.* Р. Азизхужаев, Яшил чайла. *Агарда нажотимиз қилчоқ тухумини қуришида бўлса — мени ҳам оссинлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Давлатёр] *фигон чекаётир: Сени ўлдирганнинг тухумини қираман, акажоним!* П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Тухуми озгига келганда** (ёки **тиқилганда**) дағл. тиқилинч келиб қолганда, фурсатни қўлдан бериб иш зуд бўлиб қолганда. *Охдир тухуми озгига келганда, «ҳа бўл»га тушиб .. шўр ернинг ярминчи ҳам юволмадик.* «Муштум», 1959, № 8.

**ТУХУМДОН** [ф-т] *анат.* Аёлларда, урғочи хайвон ва жониворларда тухум хужайраси ҳосил бўладиган, жуфт ҳолдаги жинсий без; оналик беши.

**ТУХУМЛАМОҚ** *диал.* Тухум қилмоқ, тухум қўймоқ.

**ТУХУМСИМОН** Тухумга ўхшаш, кўринишдан тухумни эслатадиган. *Тухумсимон тош. Тухумсимон барглр.*

**ТУХУМХҲҮР** [ф-т] 1 Тухум ейишни яхши кўрадиган. *Тухумхўр бола.*

2 *зоол.* Уз тухумларини бошқа ха-

шаротларнинг тухумлари ичига қўядиган ҳашарот, уруххўр.

**ТУШ** I Уйқуда вужудга келадиган образлар; уйқу вақтида кўриладиган нарсалар. *Туш кўрмоқ. Тушга кирмоқ. Онам тушимга кирипти.* — *Тушида кўрдим дилбаримни. Эй сабо, уйғотмагил.* Э. Воҳидов. [Ғули:] *Кеча кўрган эдим, мен бир ёмон туш, У тушини эсласам бошдан учар ҳуш. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Энага «тушингизга тўй кирибди, бу яхшиликдан дарак.»* деб унинг [Одилбиканинг] *тушини тағбирлабди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Туш билибманми** (ёки **кўрибманми**)? қаёқдан билай? *Туш кўрибманми, унинг келишини?* — *Туш кўрибманми, апрелда совуқ бўлишини.* С. Маҳкаммов, Шогирд. **Етти ухлаб туш(и)да** (ҳам) **кўрмаган ёки етти ухлаб туш(и)га** (ҳам) **кирмаган** хаёлга ҳам келмаган, ҳеч ўйламаган. *У қувви билан шу хилда учрашини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *У ердан Ғуломжон кутган, Ғуломжонни зору интизор этган жонон эмас, Ғуломжоннинг етти ухлаб тушига кирмаган нотаниши бир жувон чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тушида ҳам кўрмаган ёки тушига ҳам кирмаган айн.** етти ухлаб тушида (ҳам) **кўрмаган.** *Абдушукур тушида ҳам кўрмаган пойтахт театрларини мақтамоқчи бўлиб энди сўз бошлаган эди, Ермат дастурхон келириб норин тайёр бўлганини билдирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Анаер жим бўлиб қолди, тушига ҳам кирмаган бу таклифга нима дейишни билмай энтикди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Энди тушингизда кўрасиз** бирор кимса ёки нарсани «эндиликда асло кўрмайсиз», «кўриб ҳам бўлибсиз» каби маъноларни ифодаловчи ибора. *Бундай келини энди тушингизда кўрасиз. Тушингизни сувга айтинг* бекор айтибсиз, бўлмаган гап, асло ундай эмас. *Эс-ҳушини йўқотиб, гарангланган деҳқон дастлаб индамади. Ёш баққол вайсайвергандан сўнг, бир ух тортиб секингина деди: — Ўн тўрт сўм берасиз.— Э? Ўн тўрт сўм? Тушингизни сувга айтинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУШ** II Қуёш қоқ тепага келган пайт. *Тушигага ишламоқ. Тушида дам олмоқ. Девонанинг ақли тушидан кейин кирибди.* Мақол. — *Туш пайти, таълимдан Қайтдим бемажол. Туйғун. Туш чоғи яқинлашганда, бир чопар от чоптириб бойнинг ҳовлисига кириб келди.* Айний, Қуллар.

**ТУШАМОҚ** *кам қўлл.* Тушовлаб боғламоқ, тушовламоқ. *Маҳбусларга.. бу ҳам етмаганидек, тагин тирсакларидан бир-бирига тушаб қўйилган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУШИЛМОҚ** Тушмоқ 1, 2, 8, 14, 16, 23 *фл. мажх. н.* Бу ердан настега тушилади. — *Кўкча дарвозасига ўтиш учун Сўзик ота мазори яқини билан Кўкча ариғига тушилуру ва ундан*

*кейин Кўкча кўрғонларига қайтиб келинур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТУШИРГИ** *диал.* Ортиқча сувни оқизиб юбориш учун махсус тарнов, мас. сув тегвирмонида.

**ТУШИРГИЧ** Бирор нарсани тушириш, тушириб қўйиш учун хизмат қиладиган буюм, мослама. *Қозон туширгич. Сув туширгич.* — *Алижон ўғит туширгични кўздан кечирди.* Ҳ. Нуъмон, Фаслар.

**ТУШИРИЛМОҚ** *туширмоқ* *фл. мажх. н.* *Отиб туширилган қуш. Касалхона ишга туширилди.* — *Тошхўжа эшон Николай тахтдан туширилган йили Бухорога кетганича қайтиб келмади.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Унинг [йеитнинг] чап қўли томонида бир уйнинг орқа девори бир бўйра өни кесиб туширилган бўлиб, қорайиб кўринар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Замоннинг .. бошида ёски дўғли, пешанаси кўзларигача туширилиб тангилган, юзидега гайрат ўти, у шу қийфада Фарҳодни асга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУШИРИШМОҚ** *туширмоқ* *фл. бирг. н.* *Ука, сиздан илтимос, юкларни туширишиб юборсангиз!* С. Абдуқаҳҳор, Қўшниллар. *Пулдорлар ҳар бир нарсани вақтида гамлаб, арзона туширишади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУШИРМОҚ** 1 *тушмоқ* 1—17, 19, 22, 23 *фл. орт. н.* *Ертўлага туширмоқ. Трамвайдан тушириб қўймоқ. Амалдан тушириб юбормоқ. Поезддан тушириб юбормоқ. Пардани туширмоқ. Чув туширмоқ. Арзонага туширмоқ. Қўлга туширмоқ. Пенициллин иситмани туширади.* — *Муҳтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор осларигача тортган.. Ҳомид исмли бир тўнғизни ниҳоят икки йиллик саргардонлик сўнгиде, ёрдамчилари билан тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Танаси икки қулочга сиғмайдиган бир туп сада тевааракка тангадай офтоб туширмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бўтабой ака аввал яхши гапирди, кейин шовқин солиб «бригадирликдан тушираман», деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Ахир ўшанда қиз бошидаги чопонини жўрттага тушириб юборгандир-ку!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдирган эди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

2 *Ортилган юкни ерга олиб қўймоқ, юкдан бўшатмоқ. Юк туширмоқ. Қурилиш материалларини вагондан туширмоқ.* — *[Йўлчи] бойнинг дўконни олдига ўнларча, юзларча той газламани тушириб, .. ердан ишга қадар тахлар, яқа арвағи миниб жўнар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор нарса билан урмақ, солмоқ. *Камчи билан бошига туширмоқ.* — *У [Роҳила] бор кучини тўплаб туриб, автоматнинг қўндоғи билан асирнинг*

қулоқ чеккасига шарақлатиб туширди. А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

4 *қўйма с. т.* Емоқ, ичмоқ; еб-ичиб қўймоқ. *Бир коса шўрванни туширди.* — *Йиғитлар дастурхонлар ёнига ўтирдилар-да, шаробларни нўш қилиб, .. ёғитларни тушира кетдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Зуннунқори .. тўртта нонни чой билан паққос тушириб, энди ҳолавайтарга иштаҳа сақлаб турган эди, бир киши қақириб келди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

5 *Ўқиб ёки оғзаки, ёдаки айтиб тамомламоқ, тугатмоқ. Достонни ўқиб туширмоқ.* — *Самад бўқоқ индамай четга бурилиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир тушира бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 *Оғлар билан бирикиб қўшма феъл ясайди, мас. шубҳага туширмоқ, доғ туширмоқ, обрўсини туширмоқ.*

◆ *Ковун туширмоқ диал.* ўринсиз ҳаракат, гап ва ш. к. билан ишни расво қилиб қўймоқ, ишни бузиб қўймоқ.

**ТУШИРТИРМОҚ** туширмоқ 1, 2, 5 *фл. орт. н.* Байроқни туширтирмоқ. Амадан туширтирмоқ. Қурилиш материалларини поезддан туширтирмоқ. Десант туширтирмоқ. — *Умарқул .. онаси Бурамасоннинг арвоҳини шод қилди: авлиё-мозор шайхига қуръон туширтирди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ТУШИШ** тушмоқ *фл. иш оти.* Қоронғи тушиши билан тарқалишидик. Бедана тўрқовоққа тушиши билан сайрашдан тўхтади. Шаҳарга тушишни унутманг. Келин тушиши билан, жонадонимизга фэйз кирди. — *Ошиб тушишининг сира ўнқови йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гап шундаки, у мансабдан тушиши соатлари яқинлашганганини сезиб турибди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кичкина станцияда батальон поезддан тушишга улгурмасданок, бомбардимонга учради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТУШИШМОҚ** тушмоқ 1, 2, 7—9, 12, 14, 16, 22 *фл. бирг. н.* Аскарлар йўлга тушишиди. — *«Жинчиқроқни пуфлаб, йўлчи билан ўроз гулхан теварагида мук тушишиди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУШКИ** Тушда бўладиган; туш вақтидаги. *Тушки дам олиш вақти.* — *Тушки овқат вақтида ўзбек ишчилари бир ерга тўпланишиб чой ичар эдик.* М. Ҳусанхўжаев, Большевиклар кўрсатган йўлдан бориб.

**ТУШКУН** Тушқунликка, инқирозга юз тутган; заволга, таъазулга учраган; тобора орқага кетиб, ёмонлашиб бораётган. *Тушқун аҳвол. Тушқун буржуа маданияти.* | Умидсизлик руҳи билан суғурилган. *Жабборов, ундаги [Аҳмаджондаги] ўзгарини одатда бир-бирига меҳрибон кишилар узоқ вақт ажралишганда бўладиган тушқун кайфиятнинг таъсири деб билди.* А. Муқимов, Ғалати одамлар.

**ТУШКУНЛИК** 1 Тобора орқага кетиш, ёмонлаша бориш ҳолати; таъазул, инқироз, завол. *Иқтисодий тушқунлик. Тушқунликка юз тутмоқ.* | Умидсизлик кайфияти. *Руҳий тушқунлик.* — *Иродали киши ҳаётни ҳаммиша тўғри тушунади, тушқунликка тушмайди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Тубанликдаги ҳаёт, кайфият, ҳолат; тубанлик. *Ахлоқий тушқунлик.* — *Саид Азизага тавба-тазарру қилиб ёлвориб хат ёзбди. Азиза ундан юз ўгирибди. Шундан кейин Саид тушқунликка тушиб, ичкиликка берилиб кетибди.* А. Мухтор, Чинор.

**ТУШҚУР** Ўзидан олдинги сўзга эркалаш, суйиш ёки енгил койиш каби маъноларни беради; тушмагур, қурғур, қурмағур. *Бироқ қизи тушқурнинг ҳусними, ширин сўзларими, ҳар қалай Ғибсиддиннинг тил-жағини боғлаб, қулоғини қар, кўзини кўр қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳўқм. Шунинг учун [ҳожо] ўз тарафидан Ўзбек ойим тушқурни яхшилаб эпга олмоқ, юз қизартирадиган ишларга қарши чораларни кўрмак фикрига тушиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Вой, отаси тушқур-эй.* — *деди кула-кула Муса.* — *мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди, деб юрсам, сизда гап кўп экан. Вой, отаси тушқур-эй!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУШЛИК** Туш вақтида ейиладиган овқат. *Тушликка шўрва пиширмоқ.* || *Тушлик чой.* — *Богда ишлайтган колхозчилар аллақачон тушликка чиқиб, уларнинг камтарин овқатларига Ойқизни ҳам таклиф этдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бўлган иш шуки, ўша кунни тушлик маҳалида Холмурод аканинг эвеносида учта кетмон йўқолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТУШМАГУР** айн. тушқур. *Қиз тушмагур ўйинга уста экан.* — *Йиғитали энди жавонга яқинлашган эди, Саври хола кирди. Мана ўғлим, ўзингиз ажратинг, бу қурғур иккисиям жигар ранг дафтар, Дилнавоз тушмагур қайси бирини сўрапти экан.* С. Кароматов, Бир томчи қон. [Роқия:] *Мухаббатингиз балодек кийим танлайди. Турғунжон акам зиёфатимга етиб келолмасалар нима қиламан, деб ичи пишганича бор экан-да, қизим тушмагурнинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ТУШМОҚ** 1 Юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга томон ҳаракат қилмоқ; шундай ҳаракат қилиб бирор паст ерга етмоқ, эришмоқ, инмоқ. *Ертўлага тушмоқ. Тоғдан тушмоқ.* — *Мудофиълар .. юқори қўриқдан бир поғона қўйга тушиб, саф-басаф тортидилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | (ч. к. билан) Бирор транспорт воситаси ёки от-уловдан ерга, пастга қўнмоқ. *Троллейбусдан тушмоқ. Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди.* Мақол. — *Вагондан энг кейин тушган ва милтиғини тигидан*

*ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб .. келайтган Аҳмаджон: — Строй бўлмадан, шундай кетаверсақ бўлмасмикан? — деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 (ж. к. билан) Бирор транспорт воситасига ўтирмоқ, чиқмоқ. *Трамвайга тушмоқ. Самолётга тушмоқ. Кемага тушганнинг жони бир.* Мақол. — *У тушган поезд ғарбага эмас, шарққа қараб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Пасайиб бирор даражага етмоқ (турли ҳодисалар, процесслар ҳақида). *Молларнинг нархи анча тушди. Беморнинг ҳарорати тушди. Унинг руҳи тушиб кетди.* — *Куннинг иссиғи тушиб, кечқурунги шабада боилангач, Султонов ғўзаларни кўриши истагани билдирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Маҳкамланган, таянган, тутиб турилган еридан бўшаб ўз оғирлиги билан пастга кетмоқ. *Пийла ерга тушиб синди. Осиглиқ лампа узилиб ерга тушди. Бир кесак отсам, бешта ёнғоқ тушди.* — [Отабек] *ханжарини иккинчи уришда Содиқ бўйшаиди ва қўлидан ханжари тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нимадир еурсиллаб ерга тушди, нимадир синди. Ўйнинг эшиги шарақлаб очилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Томдан тараша тушгандай қ. тараша.* | *Осилиб, солиниб ёки босилиб бирор ерга етмоқ. Сочи тақимига тушган қиз. Йиғит қошига тушган телпагини кўтарди.* — [Қумуш] *қош устига тўзғиб тушган сочларини тузатиб хатни ўқиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёқимли садонинг сеҳрига берилиб, [Йўлчининг] кўзлари секин юмилди, боши яна қўйироқ тушди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Бўшаб, узилиб тўқилмоқ. *Сочим тушиб кетяпти. Тиши тушган бола.* — *Пахта нима эканини бола ҳам билмади: кўчада тўртта ёнғоғу бир сўқим пахта тушиб етган бўлса аввал пахтага қўл узатади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У [Қумуш] *ерга тушган ҳар бир япроқда ўзининг таржimai ҳолини ўқир .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Ҳаволаб, учиб бориб ўз оғирлиги билан бирор ерга етмоқ, қўнмоқ (ирғитилган, отилган нарсалар ҳақида). *Отилган тош юз метрча нарига бориб тушди.* — *Муттасил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қулоғи батамом битган, бирор жойга снаряд ёки бомба тушганини тупроқ кўтарилиб тушгандангина билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | *Зарб билан урилмоқ. Бектемировнинг .. белига бир-икки тепки тушди.* С. Аҳмад, Ҳўқм. *Саман йўрга .. келиб тушган анчиқ қамчи зарби билан бир онда кўздан қўйиб бўлиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Умуман бир ерга бориб қўнмоқ, кирмоқ. Шар секинлаб сўзга тушди.* Аяган кўзга чўп тушар. Мақол. | *Ёмоқ, ёғилмоқ (шудринг, қиров, дўл ва ш. к. табиат ҳодисалари ҳақида). Эрталаб тушган қиров.* — *Қор тушганда, яна шаҳарга кўчиб*



кетардик. Ойбек, Кутлуг қон. | кўчма Бошланмоқ, чўкмоқ, кирмоқ. Тушар аста оқимом салқини, Тун чўқади, қундузни босиб. Ғайратий. Икковимиз қоронғи тушунча катта боғни айла-ниб юрдик. О. Ёқубов, Тилла узук.

7 кўчма Бирор иш, мансаб, лавозим ва ш. к. дан бўшмоқ ёки четлатилмоқ. Амалдан тушмоқ. — Ғани ака Элмуродга деди: — Мана, мудирликдан тушиди-ю, хийла одамшаванда бўлиб қолди. П. Турсун, Уқитувчи. Оқ пошшо тахтдан тушгани билан, оқ амин аминликдан тушмабди. А. Қаххор, Асрор бобо. | Чегарадан, хаддан ортиқча бирор ҳолатдан қайтмоқ, ўзини қўлга олмақ. Бу шаштингиздан қайтинг, пастроқ тушинг. Жаҳдан тушмоқ. Хали ёшсан пишарсан, даббабангдан тушарсан. Матал. — Эрталаб Нафиса ҳовридан тушиб, пешанасини чағаллади. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

8 Бирор ёққа, томонга, жойга бормоқ; кирмоқ. Шаҳарга тушмоқ. Театрага тушмоқ. — Узимга бўнакка теккан бугдоддан икки-уч мартаба ярим пўздан-ярим пўздан кўтариб .. бозорга тушиб сотдим. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. [Музаффар:] Ахир, биз хиҷолатдан районга тўшолмайдиган бўлиб қолдик. Уйғун, Навбахор. | Бирор нарса ичига кирмоқ, ботмоқ, кўмилмоқ, чўкмоқ. Суега тушмоқ. Кумга тушмоқ. Ваннага тушмоқ. | Ғов, тўсиқ ва ш. к. дан ошиб бирор ерга кирмоқ. Хонадонга ўғри тушиди. — «Э, сенинг ўғлинг эрталаб боғимга тушиди», — деди халфа [отамга]. П. Турсун, Уқитувчи. [Содиқ:] Яхши маслаҳат, Қутидорниқига қанақа қилиб тушамиз? А. Қодирий, Утган кунлар. | Умуман чеккароқ, ичкарироқ ёки юқорироқ жойдан ўртароқ, ташқарироқ, пастроқ жойга йўл олмақ, чиқмоқ. Қани талабеорлар бўлса, ўртага тушин. — Йўлчи қизғин ғазабдан сачраб ҳовлига тушиди. Ойбек, Кутлуг қон.

9 Сафарда бирор жойга бориб тўхтамоқ, кўнмоқ. Биз «Тошкент» мехмонхонасига тушидик. Карвонсаройга тушмоқ. — Аҳмаджон шериклари билан урушдан ҳийла узоқда дам олиб ётган бир қисмга келиб тушганди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. | Кўнмоқ (қуш, самолёт ва ш. к. ҳақида). Самолёт аэродромга тушиди. — Кушлар, бизнинг гулбоққа Тезроқ тушингиз, Чуғурлашиб, ҳар ёққа Кувнаб учингиз! И. Муслим.

10 Маълум йўналишда тарқалиб, бориб бирор нуқтага, юзага, сатҳга тўғри, дуч келмоқ, уринмоқ ёки ёйилмоқ. Кўзимга офтоб тушяпти. Хонага дезазалардан қуёш нури тушиб тушибди. Деворга узоқдан фараларнинг ёруғи тушиди. Ҳовлига соя тушиди. | Йўналмоқ (кўз, қараш ҳақида). | Асар, из қолдирмоқ. Қорға итининг изи тушиб қолибди. Плёнкага сурати тушиб қолибди.

11 Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. Кам-

пирнинг юзига ажин тушибди. Қизнинг юзига доғ тушибди. | Бирор ерда пайдо бўлиб урчиноқ, босмоқ. Ғўзаларга вилт тушибди. Полизга шира тушибди. — Ҳа, айтамандай, — деди Қарим ота пиқирлаб қулиб, — домла сочларини бўятибдилар! .. Азбаройи худо, қуя тушган пўстакка ўхшайди! А. Қаххор, Тўйда аза.

12 Илинмоқ, тутилмоқ; ушланмоқ. Қармоққа тушган лаққа балиқ. Тўзоққа тушган бедана. Тўдодан ажралган тўрга тушар. Мақол. — Комилжоннинг Халиловдай киши билан гап ўйнаши — унинг паймони тўлагани, ўзи қопқона тушгани эмасми? И. Раҳим, Ихлос. Қўлга тушмоқ қ. қўл. | Қандайдир сабаб ёки зарурат, мақсад билан бирор ерга келмоқ ёки келтирилмоқ. У милицияга тушибди. Қармоққа тушмоқ. — Қасалхонага яқинда тушган Мирраҳимов, .. дераздан кўчга қараб турган эди. А. Қаххор, Минг бир жон.

13 Бирор кимсага, хонадонга узатилмоқ, қайлиқ қилиб берилмоқ. Қизингиз қайси қишлоққа тушган? Бу хонадонга кеча келин тушган эди. — Мен — ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим. Ойбек, Кутлуг қон. Ҳод, Тўраҳон, Тешабойга тушганингизга ҳам уч йил қолди шекилли, а, айланай! М. Исмоилий, Фаргона т. о.

14 кўчма с. т. Бирор иш, хатти-ҳаракат, воқеа-ҳодиса тўфайли чиқимдор бўлмоқ; нимадир йўқотмоқ, ютқазмоқ. Мен бир ошга тушидим. Бу ишда у ўтдай тушиди. — Илмий ходимлар кўп пул олади, ҳали битта мороженое эмас, лимонада ҳам тушасиз. Мирмуҳсин, Умид.

15 Тақсимотда маълум миқдордан тўғри келмоқ ёки теғмоқ. Ош киши бошига беш сўмдан тушиди. Ҳар бир хонадонга икки сўмдан солиқ тушиди. — Қолхозга янги келган йилми меҳнат кўни йигирма олти тийиндан тушган эди, бу йил камиди ўн икки сўмдан тушса керак дейиша ётибди. А. Қаххор, Қўшчинор. Битта одамнинг оғирлиги ишунча одамга бир мисқолдан ҳам тушмайди. А. Қаххор, Қўшчинор. Уйимга нимага кирсан, уйим ёнган маҳрига тушганми? Ойбек, Кутлуг қон. | Қимса чекига, хиссасига тўғри келмоқ, юкланмоқ. Бу иш сизнинг зиммангизга тушиди. — Қуруқ ваъдаларнинг юки — шилқ ётиб устимга тушади-ю, ёмон отлиқ бўлаверман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Маҳаммад Расул:] Шартнома мазмунига қараганда, сизнинг гардинангизга тушадиган бир кўп чиқимларни мен ўз зиммамга олдим. Ойбек, Кутлуг қон. | Умуман тўғри келмоқ. Бу сўзда ургу охири бўғинча тушади.

16 кўчма Дуч келмоқ, учрамоқ (ғам-ташвиш, шубҳа ва умуман бошқа кечинмалар ҳақида). Оғир аҳволга тушмоқ. Қайғуга тушиб қолмоқ. Бошига мусибат тушибди. Унга қишининг таш-

виши тушибди. Бошга тушганни кўз кўрар. Мақол. — Холмурод уни кутди. Ҳа деганда кела бермаган, кўнглига ваҳима тушиди. П. Турсун, Уқитувчи. Нисо буюв талавасага тушиб, ўзини қайёққа уришини билмас эди. А. Қаххор, Бошши одам. — Нима бўпти? Нимага учрапти? — Ит кунига тушиб ўлипти, ҳа! А. Мухтор, Опа-сингиллар.

17 Маълум маблар, пул, меҳнат ва ш. к. эвазига келмоқ, олинмоқ, Қостюм юз сўмга тушиди. Бу нарса менга сув текин тушиди. — Одамнинг кучи эшак кучидан паст баҳога тушади, уларга! Ойбек, Кутлуг қон.

18 Келмоқ; берилган, олинган бўлмоқ (ариза, шикоят, таклиф ва ш. к. ҳақида). Устанингиздан шикоят тушиди. Қолхозга кириш тўғрисида тўққизта ариза тушиди. Рационализаторлардан тушган таклифлар.

19 Даромад, ўлжа ва ш. к. тарзида келмоқ, қўлга кирмоқ, тўпламоқ, жамғарилмоқ. Савадон минг сўм тушиди. Тушган пул — тегирмоннинг ноши! Мақол. — [Мирзакаримбой:] Ўн сўлжавой ёнига тушади-ку, мақтамайди-ми? Ойбек, Кутлуг қон.

20 Мос келмоқ, монаид, тўғри келмоқ, мувофиқ келмоқ, Қалит шифага тушади. Иккаласи бир-бирига хил тушиди. — Алишернинг табиатиға хўб мувофиқ тушади. Ойбек, Навоий. [Тўйбека:] Юлдузингиз нақ бир-бирингизга тўғри тушган экан, иккин-гизнинг ҳам бир-бирингиздан камлигингиз йўқ! А. Қодирий, Утган кунлар.

21 Қурилмоқ, бунёд бўлмоқ, барпо қилинмоқ. Райком биндси шу ерга тушади. Бу ердан йўл тушади. Ана у ерга клуб тушади. — Сидиқжоннинг диққати ўнг томондаги тўқайнинг очиқ ерига териб қўйилган сон-саноқсиз ғишга жалб бўлди. — Хумдонми? — деди. — Мактаб, — деди хотин, — шу ерга мактаб тушади. А. Қаххор, Қўшчинор.

22 Бирор иш ёки хатти-ҳаракатга киришмоқ, бошламоқ. Гапа тушмоқ. Пул санаша тушмоқ. Қолхозчилар чопиққа тушиди. — Ишчилар қўнғилларида орзу-умид, ҳаяжонли ҳислар тошган ҳолда ўзаро сўзлаша-сўзлаша ишга тушиб кетдилар. Ойбек, Улуғ йўл. Ишга тушмоқ 1) ишга киришмоқ; 2) ишлай бошламоқ. Янги завод ишга тушиди.

23 Отлар билан қўшма феъл ясайди, мас. ўйинга тушмоқ, қураш тушмоқ, суратга тушмоқ, эсга тушмоқ, маъқул тушмоқ, изга тушмоқ, йўлга тушмоқ, йўлига тушмоқ, мук(ка) тушмоқ, назардан тушмоқ, орага (ўртага) тушмоқ, оғизга тушмоқ, оғирлиги тушмайди, пайига тушмоқ, хатга тушмоқ, шогирд тушмоқ.

24 «(и)б», «а» аффиксли равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради, мас. қулаб



тушмоқ, куйиб тушмоқ, кўчиб тушмоқ, йиқилиб тушмоқ. — Унинг калтагина мўйлови, қоп-қора қоши ўзига ярашиб тушган. Ҳ. Шамс, Дўшман. Менинг назаримда унга .. қорачадан келган йисит ёқиб тушганга ўхшарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. [Кумушнинг] камон қошлари, .. бир оз бота тушган шахло кўзлари тагин ҳам тим қоралик, тагин ҳам нуриллик қасб этган эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Нимага йиғламай, қошки кўзим оқиб тушса, ҳеч нимани кўрмасам. Ойбек, Қутлуг қон. **Ошиб тушмоқ** 1) баланд нарса, тўсиқ ва ш. к.дан ошиб ўтмоқ. *Девордан ошиб тушмоқ.* — [Отабек] хароба иморатларнинг ўрта бир еридаги рахнадан ошиб тушиш қулайроқ бўлгани учун, шунинг остига шумшайиб ўтирди. А. Қодирий, Утган кунлар; 2) кўчма ортиқча, устига-устак бўлмоқ. *Сенинг гапинг ошиб тушди!* — Бу кун тагин йиғиси ошиб тушди. А. Қодирий, Утган кунлар; 3) кўчма ўзмоқ, ўтмоқ. *Петька ҳузур қилиб кудди.* — *Турсунбетовдан ҳам ошиб тушинг-ку!* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

25 **-(и)б** аффиксли равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг бирдан, қўққисдан, кескин содир бўлганлигини билдиради, мас. *чўчиб тушмоқ, сакраб тушмоқ.* — *Қамолхон бир иргиб тушди, гангиди:* — *Йўғе, ростданми?* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.

26 Равишдош формасида ўзидан кейинги кўмакчи феъл билан бирга қўшма феъл ясади, мас. *тушиб турмоқ, тушиб бўлмоқ.* — *Ойшахоннинг феъли ўзига маълум-да: мисқол тарзининг шайинидек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турадиган аёл.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбор. *Тол шохидаги болалардан бири шошилиб туша бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тушиб кетмоқ** 1) думалаб кетмоқ, йиқилишмоқ. *Нари тур, қўбуққа тушиб кетасан. Қоса қўлимдан тушиб кетди;* 2) бирор транспорт воситаси билан кетмоқ. *Мен трамвайга тушиб кетаман. Болалар аравага тушиб кетишди. Тушиб қолмоқ* 1) кетаётганда тўкилмоқ, тўкилиб қолмоқ. *Машинадан бир қанор пахта тушиб қолди. Чўнтагимдан дастрўмочам тушиб қолибди;* 2) қолдириб кетмоқ, қолдирилмоқ. *Бу сўзда бир ҳарф тушиб қолибди;* 3) йўлда қолмоқ. *Остановкада мен тушиб қоламан;* 4) юриб кетаётган транспорт воситасидан сакрамоқ; сакраб қолиб кетмоқ. *Автобус юра бошлаганда, у тушиб қолди.*

♦ Гапи оғзидан тушиб кетадиган қ. оғиз. *Ичи тушган ўта пишиб ёки уриниб, эти эзилиб, сув бўлиб кетган (қовун, тарвуз, хандалак ҳақида). Ичи тушган қовун.* — *Ҳожихоннинг .. йиғирма тўққизда афти буришди, ичи тушган хандалакдек сўлишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Нафаси** (ёки дами) ичига тушди қ. нафас 1.

Осмон узилиб ерга тушадими ... «қилсанг, нима бўларди», деган маънони ифодаладиган ибора. **Осмондан (оёғини узатиб) тушганми** қ. осмон. **Оғизга тушмоқ** гап бўлмоқ, эл оғзида дoston бўлмоқ. **Пайтавасига қурт тушди қ. пайтава.** **Тарвузи қўлтўғидан тушди қ. тарвуз.** Унинг олдига тушадиган(и) йўқ ундан ўтадигани, унга етадигани, тенг келадигани йўқ.

**ТУШОВ** Узоққа кетиб қолмаслиги учун от-улов ва молларнинг олдинги икки оёғини маташтириб боғладиган арқон ёки мослама. *Тушов солмоқ.* — *Абдумажид .. бир қўзники тушовдан бўшатди.* С. Анорбоев, Хотима. *Худоёров отнинг тушовини ечиб минди-ю, орқасига қарайди, жўнаб қолди.* О. Кўчқорбеков, Чўпон. **Эшагига (ёки уловига) яраша тушови** бир-бирига яраша, мос, муносиб, монанд каби маъноларни ифодаладиган ибора. **Эшагидан тушови қиммат** ўзидап абзали, керак-яроғи қиммат ёки ҳаражатни қопламайди деган маънода ишлатиладиган ибора. *Бутун иш кетмонда бажариларди. Натижада, эшагидан тушови қимматга тушарди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Оёққа тушов бўлмоқ** оёқ-қўлини боғлаб қўймоқ, дардисар, дахмаза бўлмоқ. *Тўзон қанча лашкар тортиб, от ўйнатиб келмасин, тўфон унинг оёғига тушов бўлиб ёпишади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТУШОВЛАМОҚ** Тушов билан оёқларини боғламоқ, оёғига тушов солмоқ. *Қўрадан ташқаридаси майдонда икки туя ёнма-ён чўктирилиб, тиззалари чилвир билан боғланган ва икки эшак тушовлаб қўйиб юборилган эди.* Айний, Куллар. *Отларни тушовлаб, ўтага қўйиб келаятган Шербек узоқдан «Ҳорма, Сувонжон!» деб қичқирди.* С. Анорбоев, Оқсой. | *кўчма* Оёқ-қўлини боғлаб қўймоқ, юргизмай қўймоқ, ҳеч бир ишга имкон бермай қўймоқ. *Ораминда ҳеч нарса йўқлигини, бошқалар билмасам ҳам, сиз биласиз. Энди ўша ёлгон гап-сўзлар билан мени тушовлаб олмақчимисиз?* П. Қодиров, Қалбадги қуёш. | *кўчма* Жилволамоқ, тўсмоқ. *Дарёни қудратли тўғонлар билан тушовлаб, ундан канал-канал сув чиқариб, қовжироқ саҳрони гуллаган водийга айлантириш мумкин эканлигини Одижон тасаввур қилмагандир.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

**ТУШОВЛАНМОҚ** тушовламоқ фл. мажх. н. *Оёқлари тушовланиб ўтга қўйилган чимхўр отдай, онда-сонда пахтага қўл уради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУШОВЛИ** с. т. Тушов солинган, тушовланган. *У [Саман] яна устмату кийнади. Тушовли бўлса ҳам анча жойгача сакраб-сакраб борди.* Н. Фозилов, Тушовли той.

**ТУШУВ 1** тушмоқ фл. иш оти. *Тўлаган аканинг аризасини, оти билан сиирини қайтариб бериш — эртага яна бир неча ариза тушувига йўл очил.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТУШУМ** Савдодан ёки умуман ҳар қандай ишдан тушган пул, даромад. *Магазиннинг бир кунлик тушуми.* — *Имоматчиликнинг тушуми ўзингизга маълум бу замонда.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

♦ **Тушум келишиги грам.** «кимни?» ёки «нимани?» сўроқларига жавоб бўладиган келишдик.

**ТУШУНАРЛИ** Тушуниб мумкин бўлган, тушунса бўладиган; аниқ, равшан, англашилари. *Тушунарли вазифа. Тушунарли гап.* || *Тушунарли қилиб гапирмоқ.*

**ТУШУНГАН 1** тушунмоқ фл. сф.т.дш. *Тушунган бўлсангиз, айтиб бериңиз.*

2 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўз бурчи ва ш. к.ни яхши биладиган, оғни баланд, оғгли, билимли. *Тушунган одам [колхозга] кириди, тушунмазанлар кирмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Мунча жержасиз, улуг. Албатта сизларнинг .. илмингиз бор, тушунган кишиларсиз.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ТУШУНИЛМОҚ** тушунмоқ фл. мажх н. *Тўғри тушунилган фикр.*

**ТУШУНИШ 1** тушунмоқ фл. иш оти. *Гапни тўғри тушуниш. Дарсни тушуниш. Вазиятни тушуниш.* — *Қамбағаллик одамни не қўйса солмайди!* *Матқовулнинг аянч аҳволига тушуниш учун — Матқовул бўлши .. керак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Тушунча, тасаввур. Сенинг тушунишиңча бахт нима?*

**ТУШУНИШМОҚ** тушунмоқ фл. бирг. н. *Уқувчилар дарсни яхши тушунишмади.*

**ТУШУНМОВЧИЛИК** Тушуниб етмаганлик ёки тўғри тушунмаганлик туфайли келиб қчадиган хатолик; англашилмовчилик. *Бу ерда андак тушунмовчилик орқа ўхшайди. Бу — тушунмовчилик оқибати.* — *Жангчилар жим қулоқ солишди. Чернецовнинг ҳаёлида ҳам аллақандай тушунмовчилик, аллақандай ноаниқ мулоҳаза айланиб юради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТУШУНМОҚ 1** Бирор гап, иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг туб моҳиятини, сабабини, маъносини англамоқ, англаб етмоқ, уқмоқ, билмоқ, фаҳмламоқ. — *Гапима тушундингизми? — Тушундим. Имомшорасизга тушунмадим. Нима учун ранжизганини ҳеч қим тушунмади.*

2 *Ҳаққнинг ҳолни англамоқ, унга баҳо бермоқ. Ўз маъқеини яхши тушунмоқ. Вазиятни тушуниб иш кўрмоқ.*

3 *Кишининг табиатини, юрагини билмоқ, англамоқ. Бу одамга тушуна олмай қолдим.* — *Бу ўзи сизларга тушуниб бўладими? Раис бекор бўлиб, колхоз тарқади-ку.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Гапга тушунганидан одам 1) кишининг кўнглидагини топадиган одам; 2) гапга кўнадиган, келинса, тил топса бўладиган одам.*

4 *Нарсаларнинг сифат даражаси ёки белгисини яхши фарқлай олмоқ,*

ажрата билмоқ, фарқиға бормоқ; тилини билмоқ. Дарҳақиқат, пахтани тушуна оладиган, ерни билладиган тажрибали раиссан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Эртасига от оғриб қолса бўладими! Қапалагим учиб кетди. Яхшики, мендан бўлак ҳеч ким пайқамасди. Хўжайиним отни тариқча тушунмайди. Ойбек, Кутлур қон. Мазасига тушунмоқ бирор нарсага одағланиб қолмоқ, мазахўрак бўлмоқ. Сен юборган пулниг мазасига тушунди.ми, бўлди, ҳафтада, ойда пул сўрайсеради. Ойбек, Кутлур қон.

**ТУШУНТИРИЛМОҚ** тушунтирмоқ фл. жажж. н. Вазиға яхшилаб тушунтирилди. Масала яққол тушунтирилди. Янги қонун халқ оmmasига кенг тушунтирилди.

**ТУШУНТИРИШ** 1 тушунтирмоқ фл. иш оти.— Менимча,— деди Мўттихон ўйчанлик билан,— аввал қизга тушунтириш керак. С. Зуннунова, Гулхан. Темир акамнинг биларга тайин қилган иши шуки: «Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириб, уларнинг ўздан кучлар йиғиб, босмачиларга қарши отлантиринелар!» 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

2 Бирор гап, ҳужжат ва ш. к.нинг маъносини очиб, ойдинлаштириш учун берилган оғзаки ёки ёзма изоҳ, шарҳ. Қонунлар, шунингдек ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармонлари ва тушунтиришлари, ўзбек ва рус тилларида.. эълон қилинади. «ЎЗССР Конституцияси».

**ТУШУНТИРИШМОҚ** тушунтирмоқ фл. бирг. н. Ўқувчиларга конкурс шартларини яхшилаб тушунтиришди.

**ТУШУНТИРИМА** Тушунтириш хати, тушунтириш; уқдириш. Эртасига Қомилжон, Анорхон ва Эрназар акаларни областга чақириб, дастлаб нима учун област советининг президиумига келиб ҳисоб бермаганини, нима учун аэротехника қондаларини бузиб ўзбошимчалик қиланлиги ҳақида тушунтирма ёзиб беришни сўрадилар. Й. Раҳим, Ихлос.

**ТУШУНТИРМОҚ** тушунмоқ 1, 2 фл. орт. н. Қарорни оммага тушунтирмоқ. Янги темани тушунтирмоқ. Қонун модасини тушунтириб бермоқ. — Кудрат ана шу ерли халқ орасида революцион варақалар мазмунини ўз тилида тушунтириб юрди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ТУШУНЧА** 1 Предмет ва ходисаларнинг мантқан ажратилган муҳим белгиларини умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур. Сўз туркувлари ҳақида тушунча. Материя ҳақида тушунча. Қўшимча қиймат тушунчаси. Ҳуман нарсалар, ходисалар ҳақидаги тасаввур, тушунини. Қишлоққа янги замоннинг янги одамлари келар ва.. янги ном, янги тушунча олиб келдиладар. П. Турсун, Ўқитувчи. Кейинги кунлар унинг [Абдулаҳаднинг] ҳаёт ҳақидаги

барча тушунчаларини остин-устин қилиб, ўзгартириб юборди. А. Мухтор, Чинор. Халқ тушунчасига ҳажта бориб «табаррук» бўлиб келган кишининг қўлидан бу хил пасткашиликлар келмас, агар келса, у асл ҳожи эмас, ёлгон ҳожи деб қаралар эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Онглилик даражаси, онг. Сийсий тушунча. — Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин! П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Инсоннинг билим ва тасаввурлари даражаси; савия. Тушунчаси паст одам.

**ТУШУНЧАЛИ** 1 Бирор тушунчага эга бўлган, билладиган, савияси кенг. Тушунчали одам.

2 Онги балад; онгли. Тушунчали курашичи.

**ТУШУНЧАСИЗ** 1 Бирор тушунчага эга бўлмаган, ҳеч нарса билмайдиган, савияси паст. Тушунчасиз одам.

2 Онги йўқ ёки паст; онгсиз.

**ТУШЬ** [r<нем] Қора ёки бошқа рангда махсус равшнда тайёрланган, узоқ вақт рангини йўқотмайдиган суюқ бўёқ (чизмачилик, расм солиш ва муҳим хат-ҳужжатларни ёзиш учун ишлатилади). Қора тушь. Қизил тушь.

**ТУЮК** Сўз ўйинига, кўпинча қофиядош омонимларга асосланган тўрт сатрли шеър. Навоий туюқлари.

**ТУЮҚСИЗДАН** диал. Тўсатдан, қўқисдан, бирдан. Мунисхон тўптонча билан муомала қилишни билмас эканда, оғзини ўзига қаратиб туриб, туюқсиздан тепкисини босиб юборибди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ТУЯ** Бир ёки икки ўрқачли, йирик сутэмизувчи иш ҳайвони. Икки (айри) ўрқачли туя. Нор туя. Туя юнги. Туя чўкса жой топилади. Мақол. || Туя қарвон.

♦ Туя гўшти еган узоқ чўзилган, судралган. Туя гўшти еган иш. Туя гўшти еган қурилиш. Туя кўрдингми, йўқ қ. кўрмоқ. Туя сўйиб чарласанг ҳам келмайди айн. чарлаб чақирсанг ҳам келмайди қ. чарламоқ. Қудаларингми нима билан кутини бўлса ўзинг биласан: туя сўйиб чарлагинингда ҳам келмайдиган кишилар! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Нонини] туя қилмоқ 1) одатда болаларни алдаб, еяётган нонини турли жойларидан еб (тишлаб) туяга ўхшатиб бермоқ. Нонингми туя қилиб берайми?; 2) кўчма биров хисобига яшамоқ, техникхўрлик билан ҳаёт кечирмоқ. [Ҳайдар] овқат еяётганда, назарида акаси унга ғалати қараш қилиб: «Менинг пешана терим билан топганимни туя қилгансан-а, бели оғримганининг нон ейишини қара» деяётгандек туйилади. М. Оснм, Тилсиз гувоҳ. Туянинг думи ерга текканда (ёки етганда) рўёбга чиқмайдиган ваъда, иш ҳақида. Ҳасан сўфи: —.. Сув чиқади-ю, лекигин бойга яраша чиқади. Бу сувдан

бизга туянинг думи ерга етганида тегади.— деди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Бақироқ туянинг бори яхши [бақириб юргани ундан яхши] онлада, коллективда куткилаб турувчи бошлиқнинг бори яхши, деган маънодаги мақол. Бақироқ туянинг бори яхши дейдилар. Ота-она ҳаётлигида болалар бир-бирлари билан аҳил бўладилар. Й. Аҳмедов, Оғир операция.

**ТУЯДАЙ**, «дек 1 Туя сингари, туяга ўхшаш. Ўзинг-чи? Гулзорга бўйин чўзган туйдай, ҳар аёлга суқланасан!» Ойбек, Қуёш қораймас. Қўндаланг. Кultiвация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмасда қалин қўчатларни гармисел уради, тўллаган туйдек яйдоқ бўлиб қолади. Й. Раҳим, Ихлос.

2 кўчма Катта, улкан. Менинг гуноҳим изманинг учидай бўлса, сизларнинг айбимиз туйдай. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Гапни кўп чўзма, қаердалигини биласанми? Никодай гап бу ерда туйдай бўлади-я! Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ТУЯҚАШ** Ўз туясида киракашлик қилувчи ёки кимсаннинг туясини ҳайдовчи киши. Туюқашлар катти қоплардаги ғаллаларни елкаларига чапдастлик билан олиб, бизнинг оғборга бўшатавердилар. Ойбек, Болалик. || [Мирқарим] уч ой юрсач, яна туя ташувчи туюқаш қарвонлар билан киши билмас бўлиб Тошкентга келиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТУЯМОҚ** кам қўлл. Юкламоқ, ортмоқ.

**ТУЯПАЙПОК** Чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли сершоҳ бута.

**ТУЯСАНДИК** Катта сандиқ. Калитини Ҳожи бобо белбоғидаги ҳужранинг калити, дарвозанинг калити, ўйнинг калити, туясандиқнинг калити.. ва бошқа калитларга қўшиб қўйди. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ТУЯТИШ** Дони йирик, йирик донли (анор, буғдой ҳақида). — Патнисдаки новот ранг ҳусайни, оқ, қизил олмагар,.. чўл шамолда тарс-тарс ёрилган туютиши анорлар чироқ шўласида анвойи товланарди. Ҳ. Ғуллом, Сенга интилам.

**ТУЯЧИ** 1 айн. туюқаш.— Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туючининг туясига иккита-иккита мингашиб, Эшонбозорга қараб йўл солдик,— деди Шум бола. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

2 Туячилик билан шуғулланувчи киши, туячилик мутахассиси.

**ТУЯЧИЛИК** 1 туячи с. касб оти.

2 Қишлоқ хўжалигининг туя боқиш ва ундан чорва махсулотларни етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси. Туячилик фермаси.

**ТУЯШМОҚ** туюмоқ фл. бирг. н.

**ТУЯҚУШ** Уча олмайдиган, аммо жуда тез юрадиган иссиқ мамлакатларда яшовчи йирик қуш.

**ТУК** тақл. с. Каттик нарсаларнинг урилишдан ҳосил бўладиган бўғиқ товуш ҳақида.

**ТУҚҚАН** 1 **туғмоқ** *фл. сфтди.* Беш бола туққан хотин. — Онангиз сизни чима учун туққан? А. Қодирый, Утган кунлар.

2 Туғишган қариндош, тувғон. Ёт егунча, туққан ўлғунча. Мақол. Туққан-туққан топишар, ётса бало ёпишар. Мақол. — Зулм! — бой елкасини қисди ва қутуриб бақирди, — сан нонқўрсан, мен сани туққаным, жигарим дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиш. Ойбек, Қутлуг қон. || Қанотимни қайириб, Туққан элдан айириб, Ташладилар зиндонга, Бошладилар ҳижронга. Ё. Мирза.

**ТУҒ** 1 Мусулмонларнинг ёғоч дастага ўрнатилган қўтос думи ва ярим ой ёки керилган беш панжа тасвиридан иборат байроқсимон белгиси. У кўчанинг нари ёғидаги бир авлиёнинг соғонаси устига ўрнатилган туғни кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *эск.* Байроқ, алам. Қизил қонга бўялмаган Қизил туғ тута олурму? Ҳамза. Ое! — Ғалаба туғини... Догда қолсин, Сўнғ мактайдиди сенинг юрак чўғинени. Миртемир.

**ТУҒАЛОҚ** Кўп бола туғадиган, болалайдиган. Туғалоқ мол.

**ТУҒАСИ** кам қўлл. айн. туғма 1. Туғаси соқов.

**ТУҒДИРИЛМОҚ** туғдирмоқ *фл. мажҳ. н.* Яйловда туғдирилган қўзилар. Бизда инсоннинг ҳар томонлама билим олиши учун ҳамма шароитлар туғдирилган.

**ТУҒДИРМОҚ** 1 **туғмоқ** 1—4 *фл. орт. н.* Бир томонда хотин-қизлар.. қўй соғмоқда,.. иккинчи томонда эркаклар—қўллар, қарол ва чўпонлар қўй туғдирмоқда. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Юзага келтирмоқ, пайдо этмоқ, яратмоқ. Ишонч туғдирмоқ. Хавф туғдирмоқ. Иш учун шароит туғдириб бермоқ. — Бу шоду хуррамликни туғдирган яна ўша сув эди. Сув, албатта, сув! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТУҒДОР** 1 *дин.* Туғи бўлган, туғ ўрнатилган. Туғдор мазор.

2 *эск.* Байроқ кўтарган киши; байроқдор. Олдинда отлар туғдору сардор, Елғиз юриб сарсон бўлмоқ не даркор. «Муродхон».

3 *эск.* Аскарый қисм, давлат ва ш. к.нинг байроғини сақловчи лавозимли киши; байроқдор.

**ТУҒДОҚ** *диал.* Тувдоқ, тувалоқ.

**ТУҒЁН** 1 Тошқин, сув тошқини.

2 *кўчма* Кучли ички туйғу-кечинмалар тўлқини; зўр ғалаён, гўлғула. Шодлик туғени. Туғён қилмоқ (урмоқ). — Раъно чуқур ўйлаб қолди. Ҳафиза юраида қайнаётган ҳислар туғенини шундоқ юздан сезиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. Чағалайдай чарх уради Бетинч йиларим, Туғён ичра жим кезаман Денгиз бўйларин. Э. Воҳидов. Дилда ёшлик ҳисси туғён қилади Уриқлар кўпириб гуллаган дамда. Уйғун. Эҳтирос туғён урган

да, ақл чироғи хиралашади. Т. Жалолов, Олтин қафас.

3 *кўчма* Ғалаён, исён. Туғён кўтармоқ. — Съезда революциянинг тинчлик даври туғаб, туғёнлар даври бошлангани қайд қилинди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ТУҒИЛМОҚ** 1 **туғмоқ** *фл. ўзл. н.* Чала туғилган бола. Бир онадан туғилган ака-ука. Ишчи оиласида туғилган киши. Туғилмаган болага бешик. Матал. — Бир онадан алвон хил бола туғилади деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди. А. Қодирый, Мехробдан чаён. Биз теги олтинсойлик бўламиз. Мен ҳам шу ерда туғилганман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. Бизда бир фикр туғилди. Унда нотўғри таассурот туғилибди. — Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди. С. Зуннунова, Гулхан. Дабдурустдан икки савол туғилди эизак: «Ватанимми, ё бўлмаса юрагим кенероқ?» Ё. Мирза.

**ТУҒИШГАН** 1 **туғишмоқ** *фл. сфтди.*

2 Бир ота-онадан туғилган. Туғишган опа-сингиллар. Туғишган ака-ука. || Чин дўст туғишганинг билан тенг. Мақол. — Бу уйда Гулнор опам учун сочим оқаргунча хизмат қилишни истар эдим. У мени туғишган онамдан афзал севади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Яқин қариндош. Сизлар менга туғишганларимдан ҳам азиз бўлиб қолдингиз! Х. Фулом, Машъал. Қолхозчиларнинг каттаси-ю кичиги, эркаги-ю аёли унга туғишгандай яқин эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТУҒИШМОҚ** **туғмоқ** 1 *фл. бирг. н.*

**ТУҒМА** 1 Кишида туғилишданоқ мавжуд бўлган; табиий. Туғма рефлекс. Туғма истеъдод. Туғма соқов. Туғма букур.

2 Туғилишдан бирор иш, фаолият учун яратилган. У республикада хизмат кўрсатган атоқли ўқитувчи, болалар руҳини яхши биладиган туғма педагог. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ТУҒМОҚ** 1 Бўйида, қорнида бўлган болани, ой-кунни етгач, дунёга келтирмоқ. Уст-устига эизак туғмоқ. Хотини ўн йил мобайнида икки қиз, бир ўғил туғди. — Фанижоннинг хотини туғмай юриб-юриб, бирданга кўчқордай ўғил-туғиб берди. А. Қаҳҳор, Кровать. Гулсумбиби қизини нари итарди.. пешанасига уриб йнглади: «Қошиқ йлсам! Қошиқ ажал кела қолсал!.. Куйдирдинг, нега туғдим сени?» Ойбек, Қутлуг қон. Бундан икки йилча бурун эри Нусратбек: «Опти йлдан бери туғмайсан, кўрсатмаган табиибинг қолмади. Энди нима қиламиз?» деб кулган эди. А. Қодирый, Утган кунлар.

2 Боламоқ; қўзиламоқ (қўй-эчкилар ҳақида); қулунламоқ (бия ҳақида). Сигир иккита туғибди. Қўй ту-

ғибди. Мушук туғибди. — Оқпошшонинг овчи итларидан яна биттаси туғибди — суюнчи йнглади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *диал.* Тухум қилмоқ. Таваба, товуқдан аҳмоқ жонивар йўқ — мояк қўйсанг туғади. А. Қаҳҳор, Айб кимда.

4 *кўчма с. т.* Фойда келтирмоқ; кўпаймоқ. Вой нодон одамлар!.. Би-лишмайди-ки, пул болалаб туради, ин-дамасдан туғади, чақалоқлари инга-ламайди. Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Иккитани** (ёки **тўрттани**) **туғмоқ** *с. т.* кимсани кутиб ортиқ хавотир бўлмоқ. Сен келгунча тўрттани туғдим. **Кун(и)** **туғди** кимсанинг кўнглидаги ишнни, хоҳлаганини қилиши мумкин бўлган кун, пайт келди. Қор ёғиб, чанғичиларнинг кунни туғди. — Ёз ҳам ўтди, кўз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг кунни туғди. С. Абдулла, Мавлави Мирсидиқнинг ижодлари. **Ой туғди** 1) янги ой бошланди. Ой туғиб мўлжал яқин етди. А. Қодирый, Утган кунлар; 2) янги ой кўринди. Қибла бетдан бир ой туғиб келади, Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади. «Алпомиш».

**ТУҒРО** *эск. кт.* 1 Қитоб ёки унинг фасллари бош саҳифасида, сатр бошида икки-уч ҳарф қўшилмас тарзидаги безакли ёзув.

2 *тар.* Подшоҳларнинг ёрлиқ, фармон ва ш. к. ҳужжатлар тепасига қўйилладиган безакли ҳарфлардан иборат белгиси.

3 *айн. герб.* Халқимиз катта дарада пахта байрамини бошлаган кунни республикаимизнинг туғросида яшнab шу чаноқни бошимиз узри баланд кўтариб, жаҳонга кўз-кўз қиламиз. Х. Нўмон, Чаноқ.

**ТУҒУРУҚ** 1 Аёлнинг фарзанд кўриши, туғиш.

2 *эйн.* Фарзанд кўриш муносабати билан ўтказиладиган маросим; бешик тўйи. Энди у.. сават-сават кулчалар, барқашларда ошлар, соғса-салом билан, бутун қоидага мувофиқ тўйларга, азаларга, туғуруқларга бориб келади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТУҒУРУҚХОНА** Ой-кунни яқинлашган оналарни қабул қилиб, уларга туғиш пайтида ва ундан кейинги бир неча кун давомида тиббий ёрдам кўрсатадиган махсус медицина муассасаси. Қолхоз туғуруқхонаси.

**ТУХМАТ** [а] 1 Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; бўхтон. Тухмат қилмоқ. Тухмат ёғдирмоқ. Тухмат тош ёради, тош ёрмаса бош ёради. Мақол. — Нега эринга хат ёзмайсан? — Вой бундан бўлак ҳам тухмат борми? Нега хат ёзмаз эканман. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Уйинг куйғурда икки ой қадр ишладим. Кейин ҳайдади. Бошимга қанча тухмат-лар ордиди, яна. Ойбек, Қутлуг қон.

2 *с. т.* Ортиқча ташвиш, дардсар. **Қуруқ, тухмат** 1) ошкор-ойдин тух-

мат.— *Тўғриси айтсам, сиз бу тўғрида бир нарса биласиз, лекин сўзлашга Шокирбекдан қўчиб турасиз! — деди уста.* — *Куруқ тухматни қўйингчи! — деди уста Фарфи.* А. Қодирий, Утган қунар; 2) с. т. ортиқча ташвиш, ғалва, дардисар. Э. худойимей, қанақа қуруқ тухматга қолдим-а! С. Аҳмад, Хукм. Хизматга тухмат с. т. кимсага хизмат, яхшилик қилиб, охири айбдор бўлиб қолиш ёки ўзига ташвиш, дардисар орттириш; яхшиликка ёмонлик. [Меҳри:] *Дадане шу тўғғиз қўпурниче заводиди қанча йил тер тўқди. Бой, хизматга тухмат қилиб, дадангичи ой қаматтирди.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ТУХМАТЧИ** Тухмат қилувчи, бировлар устидан тухмат гаплар айтиб, ёзиб, тарқатиб юривчи; бўхтончи. *Тухматчи одам.* || [Қомилов:] *Танқид қилганларни тухматчи, амалпараст деб айблагансиз ва шу билан гуноҳингизга гуноҳ қўшгансиз.* Уйғун, Навбахор.

**ТУХМАТЧИЛИК** тухматчи с. бели оти. *Фоҳишалигини билардим, тухматчилигини билмасдим. Хай майли, агар эркак киши бўлганида, чак-човоғини салла қилиб қўярдим.* С. Аҳмад, Хукм.

**ТУХФА** [а] 1 кт. Қимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса, тортиқ, совға. *Қимматбахо тухфа. Тухфа олиб бормоқ.* — [Соҳибдору:] *Қилиб оламшумул санъатни бунёд Кетирмиш сизга тухфа уста Беход. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Хусайн Бойқаро шу шаҳарни [Астрабодни], кичик ўғли Музаффарга тухфа қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 кўчма Кўпчилик учун атаб тайёрланган нарса; совға. [Қариндошларимизга] *энг яхши тухфамиз — фидокорона меҳнатимиз, долаларда етиштиратган ҳосилимиз-у, мўл маҳсулотимиз бўлади.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 170.

3 Тухфа (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТЭ «Т» ҳарфининг номи.

**ТЮЛЕНЬ** [р] Курак оёқли сүтэмизавчи денгиз хуйвони.

**ТЮЛЬ** [р<фр] Кўпинча гулдор қилиб тўқиладиган нафис тўр. *Ойна парда учун боп толь.* | *Тюль парда.*

**ТЯГАЧ** [р] Прицеп ёки тиркама машиналарни тортиш учун белгиланган қувватли автомобиль ёки трактор. *Нормат нима қилишини билмай, атрофига қаради-да, беш метрча нарироқда турган таяғ тагига эмаклади.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ТЎБИЧОҚ** диал. Чопқир (от ҳақида). *Тўбичоқ от.* | *Майдонда минардим бу тўбичоқни, Ҳафа қилма, ойм, бу қўчқоқни [қўзичоқни].* «Алпомиш».

**ТЎГАРАК** 1 сфм Айлана, доира шаклидаги, доиравий. *Тўгарак стол.*

*Тўгарак ойна.* — *Тўрда ўтирган оплоқ соқолли, тўгарак юзи қип-қизил, ўтқир кўзли бир чол томоғини қириб еап бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Умида докладчилардан бири бўлгани учун президиумда ўтирарди. У ерга тўгарак зални кесиб ўтиб, энадан чиқиб бориш керак.* А. Мухтор, Чинор. *Шийпоннинг устунлари саккиз қиррали бўлиб, остки қисми хандалак шаклида тўгарак қилиб тарашилган эди.* Айний, Эсдалақлар.

2 от Биргаликда ишлаш, машғулотлар ўтказиш, машқ қилиш, билим-хунар олиш ва ш. к. мақсадлар билан тузилган группа. *Музыка тўгараги. Ёш табиатшунослар тўгараги.* *Тўгарак тузмоқ. Тўгаракка қатнашмоқ.* — *Андижон оқ гвардиячилар асоратидан озод қилинишидан кейинқоқ.. комсомоллар ташаббуси билан бадиий хаваскорлар тўгараги ташкил этилади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. | Бир маслакдаги, мақсаддаги кишилар группаси. *Революцион тўгарақ.* — 19 асрнинг охирида кичик марксистик тўгарақлардан иш бошлаган партия қудратли социалистик давлатга раҳбарлик қилаётган буюк кучга айланди. «КПСС тарихи».

**ТЎГАРАКЧИЛИК** сифс. Айрим тўгараклар доираси билан чекланиб, умумий ишдан, курашдан, коллективдан узилиш. *Ўзинг яша, бошқаларнинг яшашига ҳам йўл қўй.* Бу — муқаррар суратда тўгаракчилик дипломатиясига олиб борадиган обивательчилик «муросасозлиқидир». В. И. Ленин, Публицистнинг мулоҳазалари.

**ТЎДА** [ф-т] 1 Бир ерга тўплаб ёки уйиб қўйилган нарса; уюм, тўп, тўплам. *Ахлат тўдаси. Бир тўда парча-парча ғишт. Нарсаларни тўда қилиб қўймоқ.* | Умуман йиғилиб қолган кўп нарса. *Бир тўда ариза.*

2 Бир ерга тўпаланган кишилар ёки ҳайвон, қуш ва ш. к. группаси, галаси, тўпи. *Улоқчилар тўдаси. Қушлар тўдаси. Тўдадан ажралган тўрага тушар.* Мақол. *Тўда бўлиб юрмоқ.* — *Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди. Бу болаларга чиндан қизиқ томоша бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Андижон кўчадан гузарга яна бир тўда одам келди.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

3 Бирор мақсад билан уюшган кишилар группаси. *Назирқул Холхўжа йигитларидан хабардор эди. У эшоннинг гапидан шулар тўдасига бор, деган маъно аналеди.* С. Аҳмад, Хукм. *Яроғ олмай қолганлардан эҳтиёт қисм тайёрлаб шинак орқасига қўйди, хотинлардан шафқат ҳамширалари тўдаси тузди.* Айний, Қуллар. | Умуман бирор белгиси, мақсади, вазифаси ва ш. к. билан бирлашган кишилар. *Босқинчилар тўдаси.*

**ТЎДАБОЗ** [ф-т] айн. группабоз.

**ТЎДАКАШ** [ф-т] Тўдадан чаққон-

лик билан айрилиб, тез ўзадиган абжир, кучли улоқчи от.

**ТЎДАЛАМОҚ** Бир ерга тўплаб, йиғиб, уйиб қўймоқ, тўпламоқ. *Ғишт тарчаларини тўдаламоқ. Ахлатни тўдалаб қўймоқ.* — *Тоғда очилган лава, териб тўдалай дейман. Яшнаб ётган ғўзамни кунда бир кўрай дейман.* «Қўшиқлар».

**ТЎДАЛАМОҚ** тўдаламоқ фл. *мажж. ва ўзл. н. Ахлат тўдаланиб ётибди. Кум шамолда бир ерга тўдаланиб қолади.* — *Қизлар дарахтлар тагига тўдаланиб, шивир-шивир еап-лаша бошладилар. Ойбек, Улуғ йўл.*

**ТЎДАЛАТМОҚ** тўдалатмоқ фл. орт. н. *Тошларни тўдалатмоқ.* — *Эрали.. ўн бир какликни отди; келиб Шералихонга кўп ўтин тўдалатди.* «Эрали ва Шерали».

**ТЎДАЛАШМОҚ** 1 тўдаламоқ фл. бире. н. *Болалар хашақ тўдалашти.*

2 Бир ерга тўпаланмоқ. *Элмурод.. ўрнидан аранг турди-да, комиссия эшиги олдида тўдалашқан дўстлари ёнига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТЎДАЛОҒЛИК** Тўдалаб, тўплаб қўйилган, тўпалоғлик. *Оляя она қўлдаеи ғиштни тўдалоғлик бутун ғиштар ёнига қўйди-да, челақдаеи туфроқни тўқкани чуқур томон юрди.* М. Зайниддинов, Қурувчи аёллар.

**ТЎДА-ТЎДА** [ф-т] Бир неча тўдадан иборат бўлган. *Тўда-тўда кум. Тўда-тўда булутлар.* — 1917 йилнинг октябр ойи охирида мастеровки ичида тўда-тўда солдатлар юрганини кўрдим. М. Хусанхўжаев, Большевиклар кўрсатган йўлдан бориб. || *Тўша яқин атроф қишлоқлардан одамлар тўда-тўда бўлиб кела бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТЎЕНА** 1 этн. Тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган ёки қилинадиган совға. *Қани айтинларчи, тўёнаа нима олиб боради?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўчма Ишчи ва меҳнатқашларнинг муҳим бир воқеа-ходиса, байрам ва ш. к.га аталган меҳнат совғаси.

**ТЎЗ** эск. Чанг, тўзон. *Ариқлар қақраган, дарахт яроқлари тўз, осмон — чанг.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

**ТЎЗДИРМОҚ** тўзмоқ фл. орт. н. *Шамол сочларини тўздириб юборди.*

**ТЎЗИМ** Қишининг қийинчилик, қулфат, оғриқ ва ш. к.га чидаш қобилияти; чидам, бардош. *Тўзим билан ўқилмоқ. Тўзим бермоқ.* — *Қайси бир садаф сийна, Тўзим-ла санчиб игна, Инжуларин бирма-бир Шу шоҳига қадан?* Ғ. Фулом. *Салимнинг кутгани чиқмади, қўрғонда аввалгидай тинчлик, жимжитлик. Бу ҳол уни яна эди.* Охирига қадар кутмиша куч ва тўзим сезмади ўзида. Ойбек, Қултур қон.

**ТЎЗИМЛИ** Қийинчилик, қулфат, оғриқ ва ш. к.га тўзим бера оладиган; чидамли, бардошли. *Тўзимли*

**йигит.** — Тоғлар соясида қумурсқа-симон, Довул қанотида учган хас каби бўлса ҳамки, аммо тўзимли инсон, Ъамма даҳшатлардан зўрроқдир қалби. С. Акбарий.

**ТЎЗИМЛИЛИК** тўзимли с. белги оти. Инсоннинг тўзимлилиги. Тўзимлилик кўрсатмоқ. — Унинг [Қосимовнинг] қиёфаси ва юриш-туришига саҳро сокинлиги, жонли барханларнинг сезилар-сезилмас силжиши, теран қатламлардан нам юкчи топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга дхшарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТЎЗИМОҚ** айн. тўзмоқ. Эшик очилиб, шамолда қозғолар патдай тўзиди. Кенгашли уй тўзимас. Мақол. — Уларнинг юз-кўзлари чанг, рангалари заҳил, сочлари тўзган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Йўлдошбой уч-тўрт ҳафтадан бери ички кийимини ечмаган, кўйлаги терда қотиб кетган, тўни билан этиш тўзиб қолган эди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. Бу хабар бирпасда бутун арши аъвога тарқалди. Фаршталар, уяси бузилган ардайи, тўзиди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ТЎЗИМСИЗ** Қийинчилик, кулфат, ориқ ва ш. к.га тўзим бера олмайдиган, тўзими, бардоши йўқ; чидамсиз, бардошсиз. Тўзимсиз одам.

**ТЎЗИМСИЗЛИК** тўзимсиз с. белги оти. Тўзимсизлик қилмоқ. Тўзимсизлик кўрсатмоқ. Тўзимсизлик билан кутмоқ. — Бу гал [ҳожини] Ўзбек оймининг ўша эски ашуласини ортиқча бир тўзимсизлик орасида кутар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТЎЗИТИЛМОҚ** тўзитмоқ фл. мажх. н. Муфти Садриддинхон, Мунаввар қори, Мустафо Чўқаев ва ҳоказолар тузган аксилинқилобий миллатчилик уюшмалари бирин-кетин тўзитилди. А. Ҳакимов, Ўлон изидан.

**ТЎЗИТМОҚ** тўзимок ва тўзмок фл. орт. н. Шамол бареларни тўзитиб юборди. — Гулдорнинг юраги тўлқинланиб кетди, бир зум энтиқди. Сўнг паршон сочларини шамолда тўзитиб югурди. Ойбек, Қутлуг қон. Ахир, булар чўнтакни йиртмайдими, кийимни тўзитмайдими? Ойдин, Ҳазил эмиш. Юртни тинчатиб олайликчи, бу мактаб билан ҳам шўғулланамиз, Чаёнлар уясини тўзитадиган кун келади. Ҳ. Ғулмо, Машғал.

**ТЎЗИШМОҚ** тўзмок 2 фл. бирг. н. Болалар бир зумда тўзишиб, кўздан ғойиб бўлишди.

**ТЎЗИК** I Ҳар ён сочилган, тўзиган, тўзиган. Тўзиқ хас-хушларни сунуриб бир ерга тўпламоқ. || Барибир раҳбар оғизга яқин бўлади. Қанча қамтар бўлсанг ҳам кўннинг оғзида бўласан. Қатта бўлдинеми, тупроғинг тўзиқ бўлади, азизим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 қўйма Соңиқ, сочилган, бўлинган; паршон. Унинг ҳаёли тўзиқ.

3 Бетартиб ёйилган, тўзиган, тўзғоқ, пахмоқ. Қиз тол тағидан чиқиб югурганча, ўзини сувага отди. Низомжон унинг орқасидан оппоқ болдирларини савалган тўзиқ сочларини кўриб қолди. С. Ахмад, Уфқ.

4 Эскирган, титилиб кетган. Хужранинг бурчағида Шоқросимнинг уяда чопони, тўзиқ кўрпа-ёстиги уюлган. Ойбек, Қутлуг қон. | Эскирган, пугурдан кетган. Гулнор кўнча вишигидан ҳовлисига кираркан.. ишти, деворлари тўзиқ айвонга паранжисини отди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТЎЗМОҚ** I Тўзондек ҳар ён сочилмоқ, учмоқ, тўзғимоқ. Пар тўзиб кетди. — Жимжимдор япроқларинг, Сарғайиб банд узмоқда. Бевастандай шамол билан Ерда изғиб тўзмоқда. Т. Тўла.

2 қўйма Ҳар ёнга тарқалмоқ, тарқалиб, сочилиб кетмоқ, пароканда бўлмоқ. Қўйлар бўри теккандай тўзди. — Шезр анжумани тўзди, уят сўз аралашди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 қўйма Сочилмоқ, бўлинмоқ, қочмоқ, паршон бўлмоқ. Эшик очилиб, ҳаёли патдай тўзди. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Бетартиб ёйилмоқ, тўзғимоқ, пахмаймоқ. Силлиқ қилиб таралган, кўп диққат ва меҳнат сарф қилиниб ўрилган сочлар тўзган, сочилган. А. Қаҳҳор, Сароб.

5 Эскириб, титилиб ишдан чиқмоқ. Кенгаш қилган эл озмас, кенг бичилган тўн тўзмас. Мақол. — Менга овақат беради, кийимим жўда тўзса, кийим қилиб беради. Ойбек, Қутлуг қон.

6 кам қўлл. Ўзини олдиarmoқ, ҳазон бўлмоқ, сўлмоқ. Хўжайин айтганча, «узилмаган гул» бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТЎЗОН** Осмонга кўтарилган майда хас-хуш аралаш чанг. Дарё қурса ҳам ўзани қолар, бўрон босилса ҳам тўзони қолар. С. Акбарий. Машиналар кетидан кўтарилган тўзон кун тиғида, осмонда бир зум кезиб, кейин пахтазорга ёририлади. А. Муҳиддин, Термичилар. | Чанг-тўзон ўтиргандан кейин ҳосил бўлган қатлам. Николин унинг тўзон босган елкасиа оғаларча қўлини қўйиб: — Раҳмат, Бектемир, — депти. Ойбек, Кўёш қораймас. Учоқ бошида қўмғон шарақлаб қайнаб, чўғ устига тўжилди, буғ ва кул тўзони кўтарилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кўзнинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради. А. Қодирий, Обид кетмон. Тўзон бўлмоқ вайрон-толқон бўлмоқ, чанг-тўзонга айланмоқ. Тонг отганда дунё тўзон бўлади, ҳар тарафдан девлар ошиб келади. «Ширин билан Шакар». Тўзон қилмоқ вайрон-толқон қилмоқ, чанг-тўзонга айлантarmoқ. Келса, ма,

млакатни тўзон қилади, Ишқириб дамига тортиб олади. «Рустам».

**ТЎЗҒИМОҚ** айн. тўзмок 1, 2, 4, 5. Ҳазон тўзғиб кетди. — Чорак соатдан кейин шовқин кўтарилиб, маслаҳат мажлиси тўзғиб кетди. А. Мухтор, Чинор. Низомжон унинг [Дилдорнинг] тўзғиган қоп-қора сочларини, мармардек оппоқ билакларини ҳаёдан кетказолмасди. С. Ахмад, Уфқ. Қши-ёз оёғида огир сағри қафш. Маҳси ҳам минг ямоқ, бошида кир, тўзғиган салла. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТЎЗҒИН** I айн. тўзиқ. Искандаро асибий ва тўзғин ҳаёллар қучоғида суккут этар эди. Ойбек, Нур қидириб.

2 қўйма Озиб-тўзган, ўзини олдирган, озғин-тўзғин. Қўйи қўлоғидаги жўлдур иштонли қаролиниг қовургалари ҳам ҳўкизничи сингари уриб чиққан, у ҳам озғин-тўзғин эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЎЗҒИТИЛМОҚ** тўзғитмоқ фл. мажх. н.

**ТЎЗҒИТМОҚ** тўзғитмоқ фл. орт. н. Вазифа: уй томондан бориб, душманнинг жанговар сафини иккига бўлиши ва тўзғитиб юборишдан иборат. Н. Сафаров, Сўнги нафасгача. Унинг ипадек майин, қўнғир-сарик сочини эрталабки шамол энгил тўзғитарди. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ТЎЗҒИШМОҚ** тўзғитмоқ фл. бирг. н. Ийи, болам, бор дарров, — қўйларга бир бало бўлди,.. тўрт томонга тўзғишиб қолди. Ойдин, Ширинга мактуб.

**ТЎЗҒОК** I Тўзғиган, тўзиқ, тўзғин. Тўзғоқ соч. — Зарралар тўзғоқ ҳолда бўлса қуруқ тупроқ дейилади. М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**ТЎЗҒОК** II Лух, қамиш ва ш. к. ўсимликларнинг тўзғувчан парсимон попуғи, ҳосили. Қоқи ўт тўзғоғи.

**ТЎЙ** I этн. Қўпича базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи. Никоҳ тўйи. Ўғил (хатна, суннат) тўйи. Бешиқ тўйи. Тўй қилмоқ. Маърака — мардники, тўй — халқники. Мақол. Мақтанганнинг уйига бор, керилганнинг тўйига бор. Мақол. — Ҳомидвой бўлса бугун унаш-саларинг, эртага тўйини бошлаймиз, — дейди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кечаги дам олиш кўни Рашидининг тўйи бўлди. Шўхрат, Шинелли йиллар. [Роҳила:] Ҳа! Қўзим очиклигида қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйлабман. А. Қаҳҳор, Оғриқ, тишлар. Қизил тўй эски урф-одатлар бажарилмайдиган, ислоҳ этилган янгича никоҳ тўйи. — Уртоқлар! — деди Собиржон, — ижозат берасиз, ўртоқ Курбон ота билан Хадича холининг турмуш қуришларига бағишланган бу кунги қизил тўйимизни яна бир марта очик деб ётлон қилишга! А. Қаҳҳор, Тўй. 2 этн. Қудалар ўртасидаги кели-



шувга мувофиқ куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо-сурук, масаллиқ ва ш. к. мажмуи. *Тўй учун куёв томонидан ўн беш арава юк юборилган. Ҳар бир аравада бошқа-бошқа моллар ва буюмлар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мирзакаримбой қичқирди: — Мулла Абдишукр, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг, дурустми?* Ойбек, Қутлуғ қон. | Шу нарсалар юборилиши муносабати билан куёв хонадониди, келиши муносабати билан қиз хонадониди ўтказиладиган маросим. *Якшианба кунни ҳам тўй, ҳам никоҳ.* — [Қутидорнинг]. *битта жувон қизи бор-ку, мунча тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз деганига хайронман.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Тўй бермоқ** 1) қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланган пул, сарпо-сурук, масаллиқ ва бошқаларни келин томонга юбормоқ; 2) кунга ош, зиёфат бермоқ. *Қирқ кеча-кундуз элга тўй бериб, қирқ кундан сўнг тўйи охир бўлганди.* «Ширин билан Шакар».

**3** Бирор воқеа-ходисга бағишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар. *Ховли тўйи. Ҳосил тўйи.* — *Бугун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаётир.* П. Турсун, Уқитувчи. *Водоканнинг очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайида айланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Қўнға келган тўй** кўпчилигининг бошига тушган иш, ташвиш ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. — *Ота, — деди Салим жеркиб, — бу нарса қўнға келган тўй, ўғлингиз ниҳоятти бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасига қайғурасиз? Узоқ юртларни кўриб келади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Уй-уйига — така (ёки тепа)** тўйига одатда болалар кечки пайт ўйиндан чарчаб тарқалаётганда айтиладиган ибора. *Начальник ётиб қолди, энди уй-уйига — така тўйига.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Тўйдан кейин ногора қ. ногора.**

**ТҮЙБОШИ** Тўйга бошчилик қилувчи шахс. *Қишлоқда тўй бўлса у [Тўйламат] албатта тўйбоши, йигитлар тўйига қўйилса — жўрабоши.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ТҮЙГАРЧИЛИК** 1 Тўй-хашам кўп бўладиган, тўйлар юришган пайт.

**2 айн. тўйчилик.**

**ТҮЙДИРИЛМОҚ** тўйдирмоқ *фл. мажх. н.* Болаларнинг қорни тўйдирилди. *Ғўзалар сувга тўйдирилди.*

**ТҮЙДИРМОҚ** тўймоқ *фл. орт. н.* *Ерни сувга тўйдирмоқ. Ғўзаларни тўйдириб суғормоқ. Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдирди.* Мақол. — [Йўлчи:] *Укам ишлайди. Лекин ёш бола хўжайинникида ўз қорнини тўйдирса, бунга ҳам хурсандман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Унинг [Мусулмонқулнинг] истибодиди ўзга шаҳарларда унга се-*

*зилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон-одамларини жуда тўйдирди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Жондан тўйдирмоқ қ. жон 3.** **ТҮЙИМЛИ** Қоринни яхши тўйдирадиган, тўқ тутадиган; жирли. *Тўйимли овқат. Тўйимли ем-хашак. Тўйимли озуқа.* — *Химиявий воситаларни қўлланиш озуқадаси оқсилни кўпайтирибгина қолмай, ундаги тўйимли моддаларни ҳам сақлашга имкон беради.* Ш. Акмалхонов, Химия ва чорвачилик.

**ТҮЙИМЛИЛИК** тўйимли *с. белги оти. Овқатнинг тўйимлилиги. Озуқанинг тўйимлилигини оширмоқ.*

**ТҮЙИНМОҚ** 1 Обдан тўймоқ. *Бу тўғрида қатъиятсиз, муҳамал жавоблар беришдан.. тўйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**2** махс. Етарли миқдорда ўзига олмақ, сингирмоқ, эритмоқ. *Буга тўйинган ҳаво. Тўйинган эритма.*

**ТҮЙИНТИРМОҚ** тўйинмоқ **2 фл. орт. н.** *Эритмани тўйинтирмоқ.*

**ТҮЙИШМОҚ** тўймоқ *фл. бирг. н.* *Меҳмонлар узумга тўйишибди.* — *Болалар ухлаб қолдиими? — Бир уйқуга тўйишди.* Й. Раҳим, Ҳилола.

**ТҮЙЛАМОҚ** Тўйларда меҳмон бўлмоқ, тўйма-тўй юрмоқ. *Тўйлагани келган меҳмонлар.* — *Сухсур учар сой бўйлаб, Эртотим келар тўйлаб, Эртага келар чоғи, Ваъдани берай ўйлаб.* «Қўшиқлар».

**ТҮЙЛАШМОҚ** тўйламоқ *фл. бирг. н.* *Айни юртни обод қиладиган, ер очадиган, шаҳар қурадиган, тўй тўйлашадиган даврон.* Х. Ғулум, Ташкентликлар.

**ТҮЙЛИ** Тўйи бўлган, тўй қилаётган, ўтказаятган. *Тўйлининг тўйи ўтди, тўйсизнинг кунни ўтди.* Мақол.

**ТҮЙМАГУР** сўк. Барака топмагур, қурмагур, тушқур каби енгил койиш маъноларини билдиради. *У тўймагур ҳеч сўзга кирмайди.*

**ТҮЙМОҚ** 1 Еб-ичиб, ризқланиб ўзининг овқатга, сувга бўлган талабини қондирмоқ, қониб емоқ, ичмоқ, овқатга, сувга қоңмоқ. *Еб тўймаган, ялаб тўймас* Мақол. *Қўл билан берганга қўш тўймас.* Мақол. *Суқ тўймас, ўғри бойимас.* Мақол. — *Анвар Нигор оймага раҳмат айтиб, тўйганини сўзлади ва қўл артар экан, чақалоққа гап қотди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қамбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, эни бутун бўлмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Сувга қоңмоқ, қониб сув ичмоқ (ер ва ўсимликлар ҳақида).* *Ғўзалар сувга тўйди. Ер (сувга) тўймагунча, эл тўймас.* Мақол. — *Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. | *Кўчма* *Мирқоққо, қонмоқ, қаноат ҳосил қилмоқ. Уйқуга тўймоқ. Дийдорига тўймоқ. Тўйиб суҳбатлашмоқ. Йиқилган курашга тўймас.* Мақол. — *У [Элмурод] ҳар гал бу ўйлан юрганда, узоқ-*

*узоқларга тикилиб сира тўймади.* П. Турсун, Уқитувчи. *Тўпа хола ўзини шунча тетик тутгиси, ҳориган кўзларини очгуси, табиатга тўйиб боққуси келади, аммо дармони йўқ.* Й. Раҳим, Ихлос. *Кенг ҳовлининг хуснига хол бўлиб турган атир гуллар яқин кунларда очилиб, тўйиб бўлмайдиган жамолини намоён қилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** *Кўчма* Чидаб, тоқат қилиб чарчамоқ, тоқати тоқ, безорижон бўлмоқ. *Ақл инсоф билан иш қила-қила энди жуда тўйдик.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Мен ҳам тўйдим бу хўрлик, бу ҳақоратдан!* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

◆ **Жондан тўймоқ қ. жон 3.** **Тўйган** *кўзидай (ёки кўзининг боласидай) ўзига тўқ, ҳеч нарсадан камчилиги, гами йўқ одам ҳақида. Назирбуви сандалнинг четиди, деразадан тушиб турган эрта баҳор офтобига.. юзини тоблаб, тўйган қўзичоқдай ухлаб ётар эди.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

**ТҮЙПАРАСТ** Тўй тўйлашни, тўйма-тўй юришни яхши кўрадиган. *Тўйпараст одам.* — *Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган тўйпараст, дайди, турли хотинлар бор эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТҮЙ-ТОМОША** Тўй ва турли ўйин-кулги, базм, томоша ва ш. к. *Ҳеч бир тўй-томоша, ҳеч қандай маърака оқсоқолсиз ўтмасди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Бир-бирини бунда қабул қилибди, Тўй-томоша тарадудиди бўлибди.* «Ширин билан Шакар».

**ТҮЙХАТ** 1 Тўйга тақлиф қилиб ёзилган қоғоз, тўй тақлифномаси.

**2** Тўй, байрам муносабати билан ёзилган табрикнома.

**ТҮЙХОНА** Тўй бўлаётган уй, жой. *Афанди устиди эски чопони билан тўйхонага кириб қолган эди.* «Латифалар». *Созандалардан бири: Биз ҳозир бошқа бир тўйхонага борамиз, қайтишда яна сизларга келамиз, деб отам ўрнига жавоб берди.* Айний, Эсдаликлар.

**ТҮЙЧИ** 1 Тўйга келган меҳмон, тўй қатнашчиси. *Тўй тарқади, қизни никоҳ қилди.* *Авазхон йигитлари билан тўйчилар ҳам қайтди.* «Бутақўз».

**2** Тўй қилувчи киши, тўй эгаси. *Агар ҳозирлик кўрмай шаҳарни кутсак, шаҳардан ёрдам чиқа бермаса, худди тўёнага ишониб қўй олмаган тўйчи каби тўй қозонини тўнкаришга мажбур бўламиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**3** Тўйчи (эркаклар исми).

**ТҮЙЧИЛИК** Тўйдаги ўзига хос тартиб, муомала-муносабатлар. *Тўйчилик, айланай, ҳеч кимдан гина қилиб бўлмайди.* — *Ҳа, тўйчилик-да.* *Оғзимиз чучиб қолсин!* — *кулишишди йигитлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТҮЙЧИК** Кичкина тўй, тўйча.

**ТҮЙҒИЗМОҚ** тўймоқ *фл. орт. н.*



Хунар тўйғизар, от миндириб тўн кийғизар. Мақол.

**ТҶЙ-ҲАШАМ** Турли тўй маросимлари. Мениям орзу ҳавасларим бор, тўй-ҳашам кўрмоқчиман. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТҶКИБ-СОЧИБ** рвш 1 Эҳтиётсизлик билан ҳамма ёққа тўкиб, сочиб. Тўкиб-сочиб ун қопламоқ.

2 кўча кам қўл. Мўл-кўл қилиб, тўкин-сочин. [Олаҳўжа] тўйдан илгарги тайинлади: — Дўст-душман ҳаммасини айтинглар, тўкиб-сочиб едиринелар! Олаҳўжанинг ош-сувини юртдан аямайдиган киши эканини билиб қўйсин бу халқ! П. Турсун, Ҳўкувчи.

**ТҶКИЛМОҚ** 1 тўкмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Дастурхонга чой тўкилди. Қоплардан бугдой тўкиляпти. Қатиқ тўкилган ерда юқи қолар. Мақол. Тўкилса манглай теринг — унумли бўлур еринг. Мақол. — Қўймоқ от таъига тўкилган бедаларни бир кучоқ қилиб сунуриб олиб келди. Х. Шамс, Душман. Салдов деб нечанинг қадди букилди, Ер тишлаб кўксига ёши тўкилди. Ғайратий. Бу мажлисдан кейин мен бир неча вақт Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапни ичимга солиб юрдим. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

2 Бўшаб, узилиб дув тушмоқ. Социм тўкиляпти. Олма тўкилиб тушяпти. — Девор оша кўчага энгашган ўрик шохларидан йўлларга танганга гуллар тўкилган. С. Ахмад, Алла.

◆ **Охори тўкилмаган қ. охор** 2. Тутдай тўкилмоқ қ. тут. Тўкилиб (ёки тўкилай деб) турмоқ йиқилиб, бузилай, ўлай деб турмоқ (аранг турган, шарт кетиб, парти қолган нарсалар, одамлар ҳақида). Оташ дуқчининг отасидан қолган бўёт томли пастак уйнинг бир чеккаси чўккан, қийшайиб тўкилиб турар эди. Ойбек, Улуғ йўл. Қўчанинг у юзидига тўкилай деб турган эски зичик бир неча бор очилиб ёшилди. С. Анорбоев, Мехр. Шўрига шўрва тўкилсин қ. шўр II. Юраги тўкилиб (ёки тўкилай деб) турибди дили оғриб, эзилиб турибди, юраги тўлиб, тўлиқиб ўзини аранг тутиб турибди. Ғулможоннинг тўкилиб турган юрагига қиз илтифоти мадаб берди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Қирови тўкилмаган қ. қиров II.

**ТҶКИН** Ноз-неъмат, ҳосил кўп бўлган, тўкин-сочин, мўл-кўл, маъмур. Қовун-узумнинг тўкин вақти. Зиёфат тўкин эди. — Умурзоқ ака азиз меҳмонни фарғоналикларга хос сахийлик ва очиқ юз билан қарши олди, тўкин дастурхон ёзилган уйнинг тўрига ўтқазди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ТҶКИНДИ** 1 Тўкиб ташланган ёки ташланадиган қолдиқ нарса. Тўкиндиларни ўрага ташламоқ.

2 Тўкилиб, тушиб қолган нарса. Тўкинди парча-парча пахталарни

йиғиб.. далага жўнайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТҶКИНЛИК** тўкин с. белги оти. Ҳозирги маъмур ҳаётимиз, тўкинлик — ҳаммаси пахтадан... Х. Ахророва, Ҳзимизнинг Турсуной.

**ТҶКИН-СОЧИН** Ноз-неъмат, ҳосил кўп бўлган, тўкин, мўл-кўл. Тўкин-сочин дастурхон. — Мен богдаман, атрофимда тўкин-сочин ёз Ишқомларда товланади қора кўз чарос. Э. Охунова.

**ТҶКИНЧИЛИК** айн. пишиқчилик. Август — ёзинг энг тўкинчилик ойи. Ф. Нуруллаев, Бўз йиғит. Тўкинчилик пайтида мактабда мевалар кўрғазмасига тайёргарлик бошланди. Ё. Шукуров, Уч савол.

**ТҶКИН-ЧОЧИН** с. т. Тўкин-сочин.

**ТҶКИС** 1 Ҳар жиҳатдан таъминланган, мукамал, камчилиги йўқ; беками-кўст. Тошкентда мандай тўкис келин бормикан? Ҳамма нарса жойида. Ойбек, Қўтлуғ қон. — Ҳусни, одоби тўкис экан, — кесатди Анорхон. Ойбек, О. в. шабадалар. Ҳар тўкисда бир айб камчилиги, нуқсонни йўқ одам бўлмайд.

2 Савлатли, кенг-мўл (кийим ҳақида). Тўкис костюм.

**ТҶКИСЛИК** тўкис с. белги оти. Дастурхоннинг тўкислиги. Кийимнинг тўкислиги.

**ТҶКИС-ТУГАЛ** Ҳамма нарсадан ёки ҳар жиҳатдан тўкис, тўлиқ, тўла, расо, бут. Дилдор кексайиб қолган Юнусали отанинг ёлғиз боласи. Ота қизини тўкис-тугал мол билан узатган. С. Ахмад, Уфқ.

**ТҶКИС-ТУГАЛЛИК** тўкис-тугал с. белги оти. Тўкис-тугаллик билан яшамок.

**ТҶКИШМОҚ** тўкмоқ фл. бирг. н. Шунча йил менинг билан бирга тер тўкишган меҳрибон, жондан азиз халқ кучоғидан қиқиб кетай! Ойбек, О. в. шабадалар. Жаллод билан қон тўкишиб кўрайин, Улган бўлса знам ўчин олайин. — Рустам.

**ТҶКМА** этн. Улфатлар ўртага тўккан маблағ ва масаллиқ ҳисобига қиш бўйи ҳар куни ёки маълум кунларда ўтқазиладиган ўтириш; Бизнинг шаҳар, қишлоқларимизда қиш кириши билан ёш-яланлар, ҳар ким ўз тўли билан «тўкма» бошилашар.. эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Столни ишишлар қоплаган: улар тўкмада, гап-гаштакда ўтирғандай, қичқариб гап-лашишди, қаттиқ кулишди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ТҶКМАЧИ** Тўкма қатнашчиси.

**ТҶМҚОҚ** 1 Суяқ ёки сочилувчан нарсаларни идишдан туширмоқ, социлишига йўл қўймоқ. Шўрвани тўкмасдан олиб кел. Ошини тўкмасдан е! Шакарнинг ярмини йўлда тўкиб келибсан. [Дув туширмоқ, ташламоқ. Ғўзаларнинг баргини тўкмоқ. — Кесса ўрик дарахтлари пахса деворларни қўлтиқлаб олгандай, гулларини кў-

чага тўкиб ётарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Мен чиқдим-у, бодом шохидан Тўда қушлар гурр этиб кетди. Тағдўзи дўптели бодомнинг — Гулларини дув тўкиб кетди. Т. Тўла.

2 Ағдариб бўшатмоқ, ағдармоқ. Бола сутни тўкиб юборди. Графиндаги сувни тўкиб ташладим. — Ўзбек ойм бурчақда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. [Аёл] пахтайсини келтириб хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. | Тошпирмоқ, териб бермоқ. Моҳир механикатор Жавод Қўчиев сал кунда ял хирмонига машинаси бункеридан (бир юз йиғирма минг килодан «оқ олтин» тўкди).

3 кўча Оқизмоқ, оқизинига мажбур этмоқ (кўз ёши, қон, тер ҳақида). Кўз ёши тўкмоқ. Тер тўкмаса — эр эмас, қўл тегмаса — ер эмас. Мақол. — Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, эўрлик билан исённи бостирди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Ёғдирмоқ, сочмоқ (ёғду, нур ва ш. к. ҳақида). Тўйин ой сундук ёғдусини мактаб саҳни ва том тунуқаларига аёвсиз тўқар, булбул ва ҳалом тинмай сайрат эди. П. Турсун, Ҳўкувчи. Раҳмат, синалмай, шу сўз, шу бўйса, Шу гулдаста баридан афзал. Мехр майингдан тутдинг лим қоса, Гўё тўқинг бошим узра зар. Ё. Мирза.

4 кўча Дилдаги бор нарсани айтмоқ, дилдагини айтиб юракни бўшатмоқ. [Ҳайриниса] бир зум жағи тинмас, ичиди йиқилганларни бировага тўкмаса тинчмас эди. Ойбек, Улуғ йўл. [Қурбон:] Биз юракдаги дардимизни бир тўқай деб келсагу, берган жавобинг бу бўлса! Раҳмат сенга! О. Ёқубов, Айтсам тилим қуяди, айтмасам — дилим. | Сочмоқ, ёғдирмоқ (қаҳр, ғазаб ва ш. к. ҳақида). Ўзбек ойм ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилдан бўлган бу ҳаракатидан тутуну кўкка чиқиб, борлик қаҳр-ғазабини ёри устига тўкади. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. Тўкиб солмоқ бор-йўғини айтмоқ. Низомжон чидалади. Юрагиде тўлиб-тошган гапларни узи-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб яна далага қараб кетди. С. Ахмад, Уфқ. Тўкиб ташламоқ 1) айн. тўкиб солмоқ; 2) кўп миқдорда ўртага қўймоқ, мўл-кўл етказиб бермоқ. Қолхозчилар ноз-неъматларни тўкиб ташлашди.

◆ **Обруйини тўкмоқ қ. обрў(й)** 1: Охорини тўкмоқ қ. охор 2. Савлат тўкмоқ қ. савлат 1.

**ТҶКТИРМОҚ** тўкмоқ фл. орт. н. Сабзини ўрага тўктирмоқ. Ғўзаларнинг баргини тўктирмоқ. Бекорга қон тўктирмоқ. Кўз ёши тўктирмоқ.

**ТҶЛ** диал. Қўйларнинг туғиш, болалаш масъуми. | Қўзилаш; қўзила-тиш. Келаси тўлда мен ҳам қўзини ҳозирғидан кўпроқ олишга сўз бе-

раман. П. Қодиров, Қора кўзлар. Эртага ейдиганини бугун берса, айни тўла вақтига бориб, оморлар шипшийдон бўлади. Унда қўйлар тунроқ ялайдими? С. Анорбоев, Оқсой.

**ТҮЛА I** Бутун ҳажми, сифими эгалланган, банд бўлган. Тўла қоп. Тўла зал. Тўла бир челақ сув. Кўна тўла одам. — Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кўчма* Хис-туйғу, бахт-саодат, куч-қувват ва ш.к.га тўлиб-тошган. Қувонч тўла кўзлар. — Элмурод унинг рўпарасига келди ва заҳар тўла овоз билан сўради. П. Турсун, Ҳикитувчи. Зебонинг ийҳ қараши, туриши, қувонч кулгиси, табассуми Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинчи тўла, бахт-саодат тўла бир оламга имлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Тоқати тоқ бўлди шекилли,.. титраб қалтираган Алиқулга тикилиб, юраи тўла ғазабининг ҳаммасини баён қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Етишмаган ери, қисми, камикўсти йўқ, мукаммал, расо, тўлиқ, бут. Тўла иш кунни. Асбобларнинг тўла комплекти. Гапнинг тўла мазмуни. Тўла жавоб. Тўла ишонч. || *Имкониятлардан тўла фойдаланмоқ.* | Батамом, тўлиқ. Тўла қуролсизланиш. Ойнинг тўла тутилиши. || *Фикрингизга тўла қўшилишаман.* — *Турсуной кўзини ҳали тўла очгани йўқ эди, узун киприклари хира кўзларини тўсиб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шокир отанинг уйда яшайбошлағач, Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла ишитди. Ойбек, Қутлуг қон.

4 Жуссасига яраша этли; семиз. Тўла одам. — *Урта бўйли, тўла, лекин кенг юзининг егйшлари саргайиб, салқиб тушган эллик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-секин юрб келарди.* Ойбек, Қутлуг қон. Тўрбаги кичкина ишик очилиб, ичкаридан тўла юзли,.. белига қилич осган қирқ беш ёшлар чамасида бир киши кўринди. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Тўла (*эркаклар исми*).

**ТҮЛАЛИК** тўла с. белги оти. Идишининг тўлалиги. У сиздан тўлалик қилади. — [Зайнаб] илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотгандек, тусига қаримсиқаж кирган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТҮЛАМОҚ I** Олинган, харид қилинган, фойдаланилган ва ш. к. нарсалар эвазига тегишли миқдорда пул, ҳақ бермоқ. Кассага нақд пул тўлаб нарса олмақ. Қира ҳақи тўламоқ. Арзон тўламоқ. — Бу нарсаларингиз менда гаров туради, қачонки пул топсангиз, менинг яроғ учун тўлаган пулимни бериб, нарсаларингизни оласизлар. Айний, Қуллар.

2 Олинган пулни, қарзни қайтармоқ, узмоқ; зиммасидаги пул, тўлов мажбуриятини адо этмоқ. Солиқ тўламоқ. Взнос тўламоқ. Штраф тўла-

моқ. — *Бугун қарзларинени тўлайсанлар — мен тинч, сенлар тинч.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Етказилган зарарнинг муздани бермоқ, ўринни тўлдирмоқ. Товон тўламоқ. Хун тўламоқ. — *Вой, [қўғирчоғим] касал бўлиб қолибди, тўлаб берасан,— деди Мухайё Манзурага.* А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Кичкина доктор.

**ТҮЛАНМОҚ** тўламоқ фл. мажх. н. *Харид учун нақд пул тўланади. Қвартира ҳақи коммунал банкка тўланади. — Мен маърифатнинг бир қўлиман, кўлиниг меҳнатига эса пул билан ё пулга чақилдиган нарса билан ҳақ тўланмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *ЎзССР граждандари.. меҳнат миқдори ва сифатига яраша ҳақ тўланадиган иш билан ҳаммаша таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.* «ЎзССР Конституцияси».

**ТҮЛАТИЛМОҚ I** тўлатмоқ I фл. мажх. н.

**ТҮЛАТИЛМОҚ II** тўлатмоқ II фл. мажх. н.

**ТҮЛАТМОҚ I** тўламоқ фл. орт. н. *Қарз тўлатмоқ. Харажатларини бировга тўлатмоқ.*

**ТҮЛАТМОҚ II** тўлмоқ I—3, 6, 8 фл. орт. н. *Бочкани сувга тўлатмоқ. — Онахон кўкрагини тўлатиб оғир нафас олди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ТҮЛАТТИРМОҚ I** тўлатмоқ I фл. орт. н.

**ТҮЛАТТИРМОҚ II** тўлатмоқ II фл. орт. н.

**ТҮЛА-ТҮКИС** Ҳар жихатдан тўла, тўлиқ, беками-кўст, мукаммал. *Тўла-тўкис жавоб.* — *Босма, бўёқ, чизгичлар, Тарвузсимон глобус, Камикўсти йўқ қитдек, Ишлари тўла-тўкис.* Қ. Мухаммадий. || *Рисолат ҳамон таъзиянинг расм-русмаларини тўла-тўкис қиламан, деб рўзгорда борини барбод бермоқда.* С. Аҳмад, Уфқ. | *Ҳар жихатдан таъминланган, ҳеч нарсадан мухтожлиги йўқ, ўзига тўқ; фаровон. Ғўза чиқди бир текис, Сув қўйинг вақти билан.* Қолхозлар тўла-тўкис, Яшайди бахти билан. «Кўшиқлар». | Батамом, тўла, тўлиқ. [Фрунзе:] *Яна бир неча кундан кейин Туркистонда жаҳолат ва зулмнинг сўнги таянчи кун-паякун қилинади. Регистонга озодлик байроғи тикилади. Ана унда Туркистон тўла-тўкис саодат йўлига кириди.* И. Султонов, Бургутнинг парвози.

**ТҮЛАШМОҚ** тўламоқ фл. бирг. н. *Қарзларини тўлашибди. Пайчилар аъзолик бадалини тўлашмоқда.*

**ТҮЛДИРИЛМОҚ** тўлдирмоқ фл. мажх. н. *Идишлар тўлдирилди. Ротаянги жангчилар билан тўлдирилди. Дарслик янада тўлдирилди. План тўлдирилди.* — *Бугун ҳамманинг вазифаси еб, ичиб ўйнаб-кулишдан иборат.* Боқаллар тўлдирилсин! И. Раҳим, Ихлос.

**ТҮЛДИРИШМОҚ** тўлдирмоқ фл. бирг. н.

**ТҮЛДИРМОҚ I** тўлмоқ I—3, 6, 8 фл. орт. н. *Ваннани тўлдирмоқ. Шкафни китобга тўлдирмоқ. Атир исми уйни тўлдирди. Шаттини ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирдиқ. Кам-кўстини тўлдирдиқ. Эл қозонини тўлдирганни ёл тўйдирар.* Мақол. — *Ўз гув-гуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунги ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Латофат яна бир йўталиб, кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди.* О. Ёқубов, Мирза терак.

2 Бўш ўринларга, графаларга тегишли рақам, маълумот ва ш. к. ёзмоқ. *Анкета тўлдирмоқ. — Майор.. варақани ўзи тўлдирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Мудира никоҳ шаходатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзиға рўчка тутиб, қўл қўйдирди.* Х. Ғулум, Сенга нитиламан.

◆ *Кўйини пуч ёнғоқка тўлдирмоқ қ. ёнғоқ.*

**ТҮЛДИРТИРМОҚ** тўлдирмоқ фл. орт. н.

**ТҮЛДИРУВЧИ I** тўлдирмоқ фл. ш. оти.

2 грам. Гапнинг бирор бўлагига боғланиб, уни изоҳлаб, тўлдириб келувчи иккинчи даражали гап бўлаги. *Воситали тўлдирувчи. Воситасиз тўлдирувчи.* || *Тўлдирувчи эргаш гап бош гапнинг кесимини тўлдирувчи эргаш гап.*

**ТҮЛДИРҒИЧ** махс. Асосий моддаларга қўшилинадиган қўшимча модда. *Резина тўлдирғичлари.*

**ТҮЛИН** Тўлиқ гардиш шаклига кирган, бутун (ой ҳақида). *Тўлин ой ғарбоқ томон оққан, ҳаммаёқ сундай оппоқ.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Навоий суюниб баҳо берди: «Сиз шеврда ҳилол эмас, тўлин ой бўлибиз энди!»* Ойбек, Навоий. *Гаҳи боқсам тўлин ойдек юзига, Гаҳи ийҳ ўйноқи шаҳло кўзига.* Ҳабибий.

**ТҮЛИШМОҚ I** тўлмоқ 3, 5 фл. бирг. н. *Оломон бир нимага қасд қилиб тўлишиб тураанда, бир оғиз гап кифоя қилади.* А. Қаҳҳор, Асрор бо-бо.

2 Ўзини қўймоқ, семирмоқ, тўлмоқ. *Юзи тўлишибди.* — [Аҳмаджон] яна тикилди. *Уша-ўша Латофат. Шира ўзгармабди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди.* С. Қароматов, Ҳижрон. *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшинаган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ТҮЛИК I** Тўлган, тўлдирилган, тўла. *У ўзини ушлаб туролмади, нафрати қайнади, ғазаб билан тўлиқ, бўғиқ товуши билан ғижиниб сўйлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Коммунистик партия, улуг партия, Йўлинг зафарларга тўлиқ партия!* А. Пўлат.

2 Беками-кўст, мукаммал, тўла. *Тўлиқ рўйхат. Асбобларнинг тўлиқ*

комплекти. Тўлиқ асарлар тўплами. — Мажлисида ҳамма масала ечилгандай, Аҳмедовдан сўралмаган ва тўлиқ жавоб олинмаган савол қолмагандай бўлган эди. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Тўлиқ ўрта мактаб ўн йиллик ўрта мактаб.

◆ Тўлиқ содда гап грам. бирор-та ҳам бўлаги туширилмаган содда гап.

**ТҮЛИҚЛАМОҚ** Расо, мукамал, бут қилмоқ, расоламоқ, тўлдирмоқ, мукамаллаштирмоқ.

**ТҮЛИҚМОҚ** 1 Юраги тўлиб ўзини аранг тутиб турмоқ. Шохариқ бўйлаб Анорхон келиб қолди. У нимадандир хафа, куйинганидан тўлиқиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. Упқаси тўлиб, тўлиқиб турган Анорхон юзини четга буриб, ҳўнраб йиғлаб юборди. И. Раҳим, Ихлос.

2 кам қўлл. Керкмоқ, шийинқирамоқ. Ширмонхон кўз ёшини сира тийлмади. Қовоқлари шийини, юзлари тўлиқиб кетди. С. Зуннуова, Олов.

**ТҮЛИҚСИЗ** Тўлиқ бўлмаган, нотўла. Тўлиқсиз комплект. Тўлиқсиз ўрта мактаб саккиз йиллик ўрта мактаб.

◆ Тўлиқсиз гап грам. бирор бўлаги туширилган, лекин мазмуни осон тушунилаверадиган гап.

**ТҮЛМОҚ** 1 Бўш жойи қолмай эгалланмоқ, банд бўлмоқ. Ҳовуз тўлди. Зал тўлди. Қўча одамга тўлди. Қоп тўлди. Дафтарнинг икки бети тўлди. Қўзи ёшга тўлди.

2 Кўп ёки етарли миқдорда бирор нарсага эга бўлмоқ. Гуллар ҳидига тўлган илиқ, маст қилувчи ҳово. Ойбек, Қутлуғ қон. Гигант шаҳар, яшнаган қишлоқлар, боғлар Қўқси бойликка тўлган, зўр қумуш тоғлар. Ғайратий. Ғулумжоннинг юраги ачишиди. Унинг юраюида шу аламлар захри тўлиб ётарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Банд этиб, қамраб олинмоқ, қопланмоқ, бурканмоқ, ботмоқ. Осмон тутунга тўлди. — Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Лолага тўлди дала Чакканга тақ, чакканга. Сараси тарғил ла, Чакканга тақ, чакканга. Т. Тўла. Энг улғу байрам бугун, Келинг, ўртоқлар. Нурларга тўлди бугун — Уйлар, ўтлоқлар. И. Муслим.

3 кўчма Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш. к. билан ошиб-тошмоқ. Онанинг юраги умид ва қувончага тўлди. Ойбек, О. в. шабадалар. Унинг [Лаўлининг] бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил буткул маҳлиё бўлиб қолди, кўкраги завқ-шавққа тўлди. Ҳ. Ғулум, Машъал. Гапининг ёлғони билиниб қолди, Шу сабабдан Ёдгор ғазабга тўлди. «Ёдгор».

4 кўчма Тўймоқ; тўлиқмоқ. Ужар эрдан тўлиб юрган кампир бир оғиз гап билан ярасига туз сепгандек бўлди. С. Абдулла, Ҳаммаҳаллалар. Ҳайдар ота ундан [кампирдан] Ёдгорбойни сўраб: — Хат келиб турибдими? —

деган эди, кампир ўзи тўлиб турган экан, кўз ёши қилди. А. Қаххор, Асрор бобо.

5 Ҳис, ўлғайиб бирор ёшга етмоқ. Бола бирга тўлди. — Мен — ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим. Ойбек, Қутлуғ қон. Ун беш кунга тўлганиди ой, Қўқка чиқиб тунни ахтарди, Орқасидан баланд осмонда Олам-олам юлдузлар борди. Ҳ. Олимжон. | Белгиланган ёки ўлчовли бир чекка етмоқ (вақт, муддат ва ш. к. ҳақида). Муҳлат тўлди. — Ҳурматли устознинг пойқадами етганига бугун роса уч йил тўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кунни (ёки паймонаси) тўлди кунни битди, қазоси етди, ўлар чоғи келди. Худо сенинг ақли-ҳушинг олдимми? Ажал етиб сенинг кунинг тўлдимми? «Рустам». Таралганда тоза гуллар сўлмасин, Омон бўлсин, паймонаси тўлмасин. «Эрали ва Шерали».

6 Мукамаллашмоқ, роса, бут бўлмоқ. Группа тўлди. Штат тўлди. Чаласи тўлди. | Қопланмоқ. Зарарнинг ўрни тўлди. Ақли (ёки мияси) тўлди ақли ўсиб вояга етди, ақли етилди. Китоб ўқиган кишининг мияси тобора очилади, тўлади. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

7 Эт қўймоқ, семирмоқ, тўлишмоқ. Зайнаб Қумушининг тўлиб етмаган гавдасига ва.. губор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишидан қўрқди. А. Қодирий, Утган кунлар. Салтанатхон курортдан қайтиб келдиларми? Ойдаи тўлиб, кундай кулиб келгандирлар бўлмасам? С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

8 Белгиланган миқдорда, қўламда амалга ошмоқ, бажарилмоқ. План тўлди. — Пахта экдик, бўлсин деб, Шартномамиз тўлсин деб, Юз центнерга қўл қўйдик, Душман куйиб ўлсин деб. «Қўшиқлар».

◆ Кўнгли тўлди қ. кўнгли. Сабр касаси тўлиб тошди қ. сабр 2. Упқаси тўлди қ. ўпка 1. Уйи тўлиб қолди кимсанинг сафардаги яқин кишиси келиб, унинг оиласи жамоат жам бўлганда айтиладиган ибора. Йишитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ичига сиғмасди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ТҮЛОВ** 1 тўламоқ фл. иш оми. Қарз тўлов.

2 Бирор мажбурият юзасидан ёки қарор, қонун ва ш.к.га мувофиқ бўлганидан пул, маблағ ёки нарса. Биринчи тўлов. Иккинчи тўлов. Страхование тўловлари. Тўлов қоғози. — Бир рўзгорта қирқ хил тўлов.. ўласанми, қоласанми — иши йўқ. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Товон, компенсация. Тўловига қолмоқ.

**ТҮЛОВДОР** 1 Бирор тўлови ёки тўлов юзасидан қарзи, боқимондаси бўлган шахс, ташкилот.

2 айн. товондор.

**ТҮЛҚИН** 1 Қаттиқ чайқалиб тур-

ган сув бетигаги пўртана; долға. Дарё тўлқини. Қайиқ тўлқинда қалқиб бормоқда. Денгиз тўлқинга келди. — Денгиз, мунча ҳовлиқасан, Қайиқларни иргитасан, Тоғдай-тоғдай тўлқинларни Соҳилларга сен отасан. Ғайратий. | кўчма Шақли ёки ҳаракати шундай сув ўрқачларини, долғани эслатувчи ҳар қандай нарса. Шамол тўлқини. Қум тўлқини. — Шонли комсомолнинг измига кириб, Тарк этмоқда чўллар уйқуни. Ерни тутган қуёш шимириб, Пишган бугдойларнинг тўлқини. Зулфия. Дарахтзорлар оша ёсган шамол йиғитининг қўлоғига енгил қўшиқ тўлқинини келтириб ўрди. Ш. Ғулумов, Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. | кўчма Тўхтовсиз ҳаракатга келган кучли, шиддатли, жўшқин оқим. Халқ тўлқини. — Элмурод одамлар тўлқинида Фотима билан ёлма-ён юраркан, ўзини ҳар вақтдагидан дадил ва енгил сездди. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Одамлар яна тўлқинга келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к.нинг жўшқин ҳаракати, тўлғаниши, ғалаёни; туғён. Ғазаб тўлқинлари. — Янғир қандайдир катта бир қувонч тўлқинида сузар эди. Ш. Ғулумов, Ёрқин уфқлар. Мамакатда.. хон-беклар зулми авжига минди. Буларни ўз кўзи билан кўрган Аваз нафратланиб юрак тўлқинини қоғозга битди. Ж. Шарипов, Хоразм. Элмурод, ичидан тўлқин урган ғазабини яшира олмай.. сўради. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

3 кўчма Жамиятдаги, ҳаётдаги кучли ҳаракат. Бутун мамакат бўйлаб кўтарилган колхоз тўлқини Олахўжани шошириб қўйди. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Улғу Октябр социалистик революциясининг алангали тўлқинлари, ёлқинли машғаллари узоқ Туркистонга ҳам етиб келди. А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

4 физ. Физик муҳитдаги тебранма ҳаракат. Товуш тўлқинлари. Электромангнит тўлқинлари. Қисқа тўлқинлар.

5 Тўлқин (эркаклар исми).

**ТҮЛҚИНЛАНМОҚ** 1 Тўлқинли ҳаракатга келмоқ. Сув тўлқинлади. — Пастда жуда катта лойқа кўл тўлқинланиб ётар.. эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Тўлқин хосия қилиб чайқалмоқ тебранмоқ. Зағори денгиздек тўлқинланиб турган бугдой пайкалица ..яна ўн кун ёмғир ёлмаган вақтда ҳам «Ватан» ўзини олдирмайди. Н. Сафаров, Дон. Тўлқинлар орқада Соцлар майин бир илак. Ғайратий.

2 кўчма Қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ, ғалаён қилмоқ, тўлганмоқ, туғён урмоқ (ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. ҳақида). Қутилмаанда қалбимда гурур ҳисси тўлқинланиб кетди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Элмурод ичидан тўлқинланган ҳаяжонни босиб гапирди. П. Турсун, Ҳўкитув-

чи. Бўтабой ичидан тўлқинланиб келган титроқни босишга зўр бериб, бир оз жим қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Халойиқ! — деди Йўлчи тўлқинланиб. Ойбек, Қутлуғ қон. Ўзи тўлқинланмаган санъаткор бошқаларни тўлқинлатиши мумкин эмас. Хаяжонсиз, илҳомсиз бадиий асар йўқ. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

3 кўча Шиддатли ҳаракатга келмоқ, тўлқиндек кўтарилмоқ, кўзгалмоқ. Милтиқлар ўқталганда халқ ҳам бир қўзғалиб, тўлқинланиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қишлоқ усталари қилич, найза, ўқ, ёй ясашга киришдилар, халқ хаяжонга келди. Шу вақтгача тинч ётган халқ денгизи тўлқинланиб, босқинчиларни ютиб йўқ қилиб юбориш даражасига келди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаи.

**ТЎЛҚИНЛАНТИРМОҚ** тўлқинланмоқ фл. орт. н. Океан кемаси суёни тўлқинлантириб борарди. ■ Мана қирқ йил бўлди ҳамки, бу тема — Октябр революцияси темаси — мени тўлқинлантириб, илҳомлантириб турибди. Ойбек, Халққа хизмат — бахт. Унинг [Саодатнинг] ғалабалар тўла юрагини яна бир нарса тўлқинлантира бошлади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаи.

**ТЎЛҚИНЛАТМОҚ** Тўлқинга келтирмоқ, тўлқинлантирмоқ. — Ўзи тўлқинланмаган санъаткор бошқаларни тўлқинлатиши мумкин эмас. Хаяжонсиз, илҳомсиз бадиий асар йўқ, — деди Акбар Қамарга. Х. Аҳмар, Ким ҳақ? Нотаниш, янги ҳис қизнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Ф. Мусажонов, Ҳури.

**ТЎЛҚИНЛИ** 1 Тўлқинланиб турган, тўлқинга келган, тўлқини бор. Тўлқинли дарё. Тўлқинли шамол. | кўча Қайнаб-тошган, жўш урган, жўшқин. «Т» шаҳрининг тўлқинли Кўчаларида, Электрдан нур эмган Кечаларида Мағрур одимлар отиб, Кезмоқда Тўлташ. Ғайратий.

2 кўча Тугёнга келган, тугёнли. Тарихнинг тўлқинли, ўтли изидан, қип-қизил қон тўсли чечаклар тердим. Ўйғун.

3 кўча Тўлқинлантирувчи, тўлқинга келтирувчи, хаяжонли. Тўлқинли нутқ. || [Нотиқлар] бир-биридан жўшқин, бир-биридан тўлқинли сўзлардилар. Ойбек, Улуғ йўл.

4 физ. Белгили узунликка эга бўлган (физик тўлқинлар ҳақида). Қисқа тўлқинли нурлар. ■ [Темир:] «Қисқа тўлқинли радиопередатчик орқали қизлар билан танишимиз», деб Тўлганларнинг вагонига келаверди. А. Мухтор, Чинор.

**ТЎЛҚИНСИМОН** Тўлқинга ўхшаш, тўлқин тахлитда. Тўлқинсимон булут. Тўлқинсимон сирт. Тўлқинсимон ҳаракат. || Зинадан настега тушим, госпиталнинг юқори қаavat деразаларига қаради. Деразалар ойнаси оқ бўёқ билан тўлқинсимон бўялган. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТЎЛҒАЗМОҚ** тўлмоқ I—3, 6, 8 фл. орт. н.

**ТЎЛҒАМОҚ** Чайқатмоқ; тебратмоқ; жилпангламоқ. Сулув оғир тулмуни тўлғаб, қовоқ косадан жиндак сув хўплади-да, .. яна ишга тушди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаи.

◆ Бош (ёки бўйин) тўлғамоқ кам қўлл. бош тортмоқ, бўйин товламоқ. Итоатдан бош тўлғаган Тошкент устига, албатта, Мусулмонқул зolim қўшин тортар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бизлар бамаслаҳат нима десак, у бўйин тўлғамас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Юраги тўлғади қорни бураб оғриди.

**ТЎЛҒАНМОҚ** 1 тўлғамоқ фл. ўзл. н. Илон думи тўлганишдан тўхтаб, ерга чўзилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шербек Нигорага ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим сочи баланд қўймичида тўлганиб ётарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тўлқинли ҳаракатга келмоқ, тўлқинланмоқ. Ох.. тортиди қиз, зўёки дарё — Тўлғанди-ю қирғоқдан ошди. Т. Тўла. Денгиздай тўлғаниб, балқийди фикринг, Ўзилган элимга озодлик бердинг. Фозил шоир.

3 Ўзини беихтиёр у ён-бу ёнга ташламоқ, безовталанмоқ. Унинг [Элгелдининг] азобли тўлганишига қараб фарёд кўтармаслик учун чексиз бардош, тош юрак керак эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаи. Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшаиди, илгариси кучанишларидан қолди ва бир-икки дафъа тўлғаниб, жимгина жон берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шермат ака.. кечаси билан ухоломай, тўлғаниб чиқди. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. | кўча Каттиқ изгироб чекмоқ, хаяжонга келмоқ, хаяжонланмоқ, тўлқинланмоқ. Низомиддинов хужрасига келиб темир караовтда бошини икки кафти орасига олиб, илон чаққандек тўлғаниб ўтирди. С. Аҳмад, Ҳукм. — Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим куяди! — деди қори бутун вужуди ўртаниб кетаётгандай тўлғаниб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Адолат юз изтиробда тўлганган қалбини ендю-ю, бошини кўтарди. С. Зуннуова, Гулзадалар. **Илондай тўлғанмоқ** 1) илондай жилпангламоқ, илон изи ҳаракат қилмоқ. Пишқариб илондай тўлғаниб оқётган бу сув, сув эмас, бир бало эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кўча ортиқ изгироб чекмоқ, хаяжонга келмоқ, хаяжонланмоқ. Офтоб ойм боши янчилган илондек тўлғанди: — Қизим устига кундони?! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўча Қайнаб-тошиб-келмоқ, жўшурмоқ, тўлқинланмоқ. Бу дард ўқтин-ўқтин юраида шундай тўлғандики, қиз беихтиёр инграб юборар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Ваҳималар дилда йўқ, кулиб турамыз. Тўлганар бир севинчи билан дилимиз. Х. Олимжон.

**ТЎЛҒАНТИРМОҚ** тўлғанмоқ фл. орт. н. Юракни тўлғантирмоқ.

**ТЎЛҒАТМОҚ** тўлғамоқ фл. орт. н. ай. Тўлғамоқ. Қизларнинг қистови билан Нуржаҳон даврага тушиб мажнунтолдек эғиллиб, қирқ кокилини тўлғатиб майин, нонок ҳаракатлар қилади. С. Азимов, Тўртинчи фасл.

**ТЎЛҒИЗМОҚ** тўлмоқ I—3, 6, 8 фл. н.

**ТЎЛҒИН** кам қўлл. 1 Тўла, тўлиқ. Навоий бир неча ойгина бир қадар сокин ишлай олди. «Қуш тили» устида тўлғин завқ билан ишлади. Ойбек, Навоий.

2 Тўла, этли, семиз. — Овқат эмиш! Захар бер, захар! — қиз қаддини ростлаб, алам билан қичқиради, кўзлари ёнди, тўлғин кўкраги ғазаб билан мавжланди. Ойбек, Навоий.

**ТЎЛҒОҚ** 1 Тўғиш олдида тутадиган қаттиқ оғриқ, дард. Уни тўлғоқ тута бошлади. ■ Султон бўғзининг хотини Ойша бибини тўлғоқ тўтиб ётганда, кўча эшигини биров қоқди. Н. Сафаров, Султон бўғзининг неваралари.

2 кўча Оғир машаққат, қийинчилик; безовталик. Умаралдининг кўзига Зуннуов қандайдир безовта ва серташвиш кўрindi. Ростан ҳам яраси янгиланганга ўхшайди. Ўзини қўйгани жой тополмапти. Тўлғоғи бежиз эмас. И. Раҳим, Ихлос. Малоҳат эса, рассомнинг илҳом тўлғоғидан беҳабар: тоғ ёнбағиридаги табиат жаннатига — кўм-кўк қирларга сеҳрланиб тикиларди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ТЎМПАЙМОҚ** 1 Чўккалаб мук тушиб ётмоқ. Уроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб тўмпайиб галма-гал пуфлашарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Болалар ўтирган ўринларида тўмпайиб ё турли вазиятда узала тушиб, бирин-бирин ухлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Туртиб чиқиб турмоқ, тўмпаймоқ, қаппаймоқ. Ён чўнтаги тўмпайиб турибди.

**ТЎМТОҚ** 1 Учи ўткир бўлмаган, ўтмас. Тўмтоқ игна. Тўмтоқ миҳ. ■ Уста қизнинг қовоғидан қоғозларни олиб, китригини тўмтоқ қайчи билан қайираётган эди. С. Аҳмад, Мўтти. | Учи чўрт кесилган ёки юмалоқ қилиб ишланган. Тўмтоқ қалиш. Қаллакланиб тўмтоқ бўлган тол. ■ Новадалари кесилавериш тўмтоқ қаллак бўлиб қолган қатор тўт дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди. Мирмуҳсин, Умид. | Ишлатилавериш ёзмайдиган ёки ўтмайидиган бўлиб қолган. Тўмтоқ қалам. || Бигиз тўмтоқ бўлиб қолибди.

2 Кесиб ташланган, кесилган (оёқ, қўл, бармоқ ҳақида). Тўмтоқ бармоқлар патнусага узатилди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

3 кўча с. т. Ақли, зеҳни унчалик ўткир эмас, билими, ташунчаси чекланган, тор. Тўмтоқ одам. ■ Уч-тўрт

кундаёқ Тожибойнинг ўқишга кунти йўқ, зеҳни тўмтоқ ўқувчилардан экани билиниб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. || Устарани қайраб турилмаса ўтмасланганидек, одам ҳам ўз билимини ортдирмаса, тўмтоқ бўлиб қолар экан. А. Муҳиддин, Ҳада.

4 кўча Мазмуни ёки тузилиши жиҳатидан қусурли; чала-чулпа, чўлтоқ, мужмал: Тўмтоқ жумла. Тўмтоқ жавоб. Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ. Мақол. || [Қози:] Сиз аралашмай туринг, элликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб ишнинг пачавасини чиқардингиз! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ТЎМТОҚЛАМОҚ** 1 Тўмтоқ ҳолга келтирмоқ, тўмтоқ, ўтмас қилмоқ. Найзанинг учини тўмтоқламоқ.

2 кўча Чекламоқ, тораитирмоқ. Фикрни тўмтоқламоқ.

**ТЎМТОҚЛАНМОҚ** тўмтоқламоқ фл. ўзл. ва мазҳ. н.

**ТЎМТОҚЛИК** тўмтоқ с. белги оти. Қаламнинг тўмтоқлиги. Фикрнинг тўмтоқлиги. Ақлнинг тўмтоқлиги.

**ТЎН** 1 Олди очик узун устки миллий кийим; чопон. Кимхоб тўн. Зарварақ тўн. Тўн кимники, кийганники. Мақол. — Бу киши олабайроқ тўн кийган, узун соқоли, билмадим, имомми, зиконми бўлиб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. Тўн кийдирмоқ (ёки кийгизмоқ) 1) тўн ҳада қилмоқ. Маҳдум.. меҳмонхона саҳнида кутиб ўтирган йиғинга ўз қўли билан адрас тўнни кийдирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) кўча ўринлатмоқ, кифтини келтирмоқ. Гапа тўн кийдирмоқ. — Юсуфий бу мақолага шундай тўн кийсадики, ўзингиз ҳам қойил бўласиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўча Пўст, қобик. Тўни сариқ қовуи.

◆ **Тўн бичмоқ** 1) бирор нарсага, кимсага қараб иш тутмоқ, амал қилмоқ. Ҳар ким ўзига қараб тўн бичади; 2) баҳо бермоқ. Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинглар. «Муштум», 1963, № 13. **Тўнига кирмоқ** қиёфасига, тусига кирмоқ. Тенса тебранмас тўнига кириб олди. Юзини ишилиб ташлашга қарор қилди. Шухрат, Шинелли йиллар. **Тўниги тескари киймоқ** бирор кимса ёки нарсадан, ишдан аччиғланиб терс иш тутмоқ, терсламоқ.

**ТўНАЛМОҚ** тўнамоқ фл. мазҳ. н. Қамолон дарвозаси билан Самарқанд дарвозасигача бўлган қўрғон остлари бошсиз ва иштондан бошқаси тўналган иксон гавдалари билан тўлибдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ТўНАМОҚ** Тунда йўлини тўсиб, босиб ечинтирмоқ, таламоқ. Худди шу бугун кечаси самоварга тушган аллақайси чорвачи боини ўғрилар тўнаб, ўзини йлдириб кетган экан. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ТўНГ** 1 Дағал, кўпол, кўрс. Тўнг одам. Тўнг жавоб. Борнинг гапи ўн, йўқнинг гапи тўнг. Мақол. — [Уста-

ни] ансамблдан бўшатиб юборайлик деймизу, яна қари одам — тирикчилиги нима бўлади, деймиз. Ўзи ҳам ўлгудай тўнг. Мирмуҳсин, Созанда. Ла-тофат Зокиржоннинг бу тўнг муомаласи замирида нима борлигини асло тушуна олмас эди. Ғайратий, Довдираш. || — Ҳа, нима дейсиз? — тўнг қичқирди Салимбойгачча. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кам қўлл. Тўнгиб, музлаб қолган, музлаган. Тўнг дарё.

◆ **Тўнг бўйин** бўйин бермайдиган, бўйин эгмайдиган, ўжар. Бўйин эгиб ҳар тўнг бўйин дарёлар, Биз истаган йўлга бурилди, юрди. Ҳабибий.

**ТўНГАК** Тўнка, кунда. Тол тўнгаги. Тўнгак кавламоқ. Қўполдан тўнгак айлансин. Мақол. — Ақли [одам] тўнгакка назик ерини, ёриладиган ерини толиб туриб болта уради — ақли билан ёради, ўзини қийнамайди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ТўНГИРМОҚ** тўнгмоқ фл. орт. н. **ТўНГЛАМОҚ** диал. Тўнгмоқ. [Қизларни] эритман деб тагин ўзингиз тўнглаб қолманг, ефрейтор. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Эчки ёйишнинг ёғи оқ тусда ва тўнглайдиган бўлади. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ТўНГЛИК** тўнг с. белги оти. Муомаланинг тўнглиги. Гапнинг тўнглиги. — Мен ўз бошимга ўзим ҳоким! — тўнглик билан жавоб берди Тўғонбек. Ойбек, Навоий. Алдасани бола яхши деганларидай, Тўлмат мўйлов бола табиат; яхши гапнинг қули. Тўнглик қилсангиз тўнниги тескари кийиб олади, — ундан қайсари йўқ. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТўНГМОҚ** 1 Музлаб қотиб қолмоқ, музламоқ. Дарё тўнги. Шўр тўнгмас, аҳмоқ ўнгмас. Мақол. — Шу ерга бойқушлар қўнса майлими?! Олма, узумларим тўнгса майлими?! Х. Расул. | Совуқ қотмоқ, совуқ емоқ, совуқотмоқ. Совуқда қолиб жуда тўнгиб кетдим. — **Нормат** ака Қаримжонга яқинлашиб: «Оёнгиз тўнган бўлса керак. Отдан тушинг, бироз тепиниб, оёқларни эпақага келтириб олайлик. Ё. Шукуров, Қамолат.

2 Қуюқлашмоқ, қотмоқ. Тўнгиб қоладиган ёғ.

**ТўНИК** Қоронғи булут босган, булутли. У қорни ишдатли элаган тўنيқ кўкка қарайди, хўрсинади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТўНКА** 1 Кесилган ёки синиб тушган дарахтнинг ердан учи чиқиб турган ер остидаги қисми; тўнгак, кунда. Тўнка кавламоқ. — Тўнкалар жуда кўп, ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ердан кавлаб олинган шундай тўнгак. Тўнка ёрмоқ. — Уртадаги ўчоқда тўнка биқисмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кам қўлл. айн. кунда 2. — Кел, болам, камнамосан, — дўконхона бурчагида усти ейилган, текис катта қосиб тўнкаси орқасида ишлаётган Шо-

қир ота, одатдагича, кўзойнагини оз-моз кўтариб деди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Тўнка бўлмоқ** энгашиб, кимсанинг юқорига чиқиши учун белини тутиб бермоқ. Сен тўнка бўл, мен деворга чиқиб олай. — Тургун ихчам бўлиб, бутун кучини оёқларига йиғиб, тўнка бўлиб турди. Ғайратий, Қарқуноқ.

**ТўНКАЛМОҚ** тўнкамоқ фл. мазҳ. н. У .. тўнкалаган бўлтонни дарров устидан олиб ташлашни керак. П. Турсун, Ўқитувчи. Бунинг устига йўқолиб топилган бриллиант қўзғали ушқ ҳам Умидга тўнкалди. Мирмуҳсин, Умид.

**ТўНКАМОҚ** Қимсага ағдармоқ, кимсадан кўрмоқ (ножия иш, хатти-харакат, айб ва ш. к.ни). Қилғилиқни қилиб, бирова тўнкайди. — Хидича-бегим ҳамма айбни Низомулмулк устига тўнкаб, ўзини оппоқ қилиб олди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. [Хидича:] Э, қўйинг-е! Илгарилари айбингизни об-ҳавога тўнкамас эдингиз-ку! Уйғун, Навбахор.

**ТўНКАРИЛМОҚ** тўнкармоқ фл. ўзл. ва мазҳ. н. Арава тўнкарилиб тушиди. Қайиқ тўнкарилиб кетди. — Шини осмон қозондек Тўнкарилган денгизга. Соҳил сувга чўккандек, Қўринмайди ҳеч кўзга. З. Дияр.

**ТўНКАРИШМОҚ** тўнкармоқ фл. бирг. н.

**ТўНКАРИҒЛИК** Тўнкарилган, тўнтарилган, тўнкариб қўйилган. Тўнкариғлиқ қозон.

**ТўНКАРМОҚ** с. т. Остини устига, устини остга қилиб қўймоқ; ағдармоқ, тўнтармоқ. Қозонни тўнкариб қўймоқ. Тўлқин қайиқни тўнкариб юборди. — [Элмурод] чойхоначи берган қора патяисни олдига тўнкариб «рўйхат формаси» деган катта рўйхат қоғозларини ёйди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ТўНКАШМОҚ** тўнкамоқ фл. бирг. н. Ўз айбларини бировага тўнкашибди. — Бекор гап! Адолатга тўнкашмасин, Адолат ишйондаги қутмачасини ҳам қизларга ташлаб кетган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТўНМОҚ** диал. Қўзини тикиб қарамоқ, тикилмоқ. Бир эйр дарахт кўринди, Ушанга кўзи тўнди. Х. Олимжон. — Қелиб-келиб қизинени бир яланг оёққа бердингми? — деди бой Малика холага тўниб. Н. Фозилов, Оқим.

**ТўНТАРИЛИШ** 1 тўнтарилмоқ фл. иш оти. Қайиқнинг тўнтарилиши.

2 сисс. Давлатнинг, ҳокимиятнинг куч билан ўзгартирилиши, ағдарилиши, қўлга олиниши. Давлат тўнтарилиши.

**ТўНТАРИЛМОҚ** тўнтармоқ фл. ўзл. ва мазҳ. н. Бир-урсам тўнтарилиб тушиди. — Ярадорни хавфсиз жойга ётқизиб, қайтишда Аҳмаджоннинг кўзи тўнтарилиб ётган бир немис пулемётига тушиди. А. Қаҳдор, Олтин юлдуз. У қиш ичи балиқ тутгани



йўқ, қайиқ ҳам чайла ёнида тўнтариллиб ётди. Х. Ғулом, Машғал.

**ТўНТАРИШ** 1 тўнтармоқ *фл.* иш оти. Қозонни тўнтарши. Қайиқни тўнтарши.

2 *сиёс.* Давлатни, ҳокимиятни куч билан ўзгартириш, ағдариш, қўлга олиш. *Сиёсий тўнтарши.* — Профессор .. Ироқда давлат тўнтарилди бўлгани .. ҳақида гапириб, [Умидга] турли саволлар берарди. Мирмуҳсин, Умид.

**ТўНТАРИШМОҚ** тўнтармоқ *фл.* бирг. н.

**ТўНТАРИҒЛИК** Тўнтарилган, тўнкарилган, тўнтариб қўйилган. Уфқдан энди кўтарилган ойнинг ўроғи тўнтарилғлиқ турарди. В. Ғофуров, Вафодор.

**ТўНТАРМОҚ** 1 Остини устига, устини остига қилиб қўймоқ, ағдармоқ, тўнкармоқ. Саид Жалолхон паишанинг амри билан тухумни ерга қўйиб, устига қозонни тўнтарди. А. Қаҳҳор, Башорат. Йўлчи тоқдада ётган шамни ёқиб, бир пиёлани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди. Ойбек, Қутлур қон.

2 *сиёс.* Давлатни, ҳокимиятни куч билан ўзгартирмоқ, ағдармоқ, қўлга олмақ, тўнтарши қилмоқ.

**ТўНҚАЙИШМОҚ** тўнқаймоқ *фл.* бирг. н.

**ТўНҚАЙМОҚ** Тик оёқ устида ёки тиз чўкиб икки букилмоқ, эгилмоқ. Тўнқайиб икки оёқ орасидан қарамоқ. Тўнқайиб намоз ўқимоқ.

◆ Давлатига тўнқаймоқ 1) ношукурлик қилмоқ, ноқўрлик, кўрнамалик қилмоқ; 2) кўрсатилган иззат-хурматни билмай кеккаймоқ, ҳаддан ошмоқ.

**ТўНҚАЙТИРМОҚ** тўнқаймоқ *фл.* орт. н.

**ТўНҚАТАР** тар. Амир саройида улуғларни отдан туширувчи лавозимли киши. Ясовуллар .. деҳқонни ёқасидан ушлаб арк дарвозасига сураб олиб бордилар ва тўнқатарнинг буйруғи билан уни ўн беш таёқ уриб, ундан хизматона ва жаноби олий ҳақида дуо олгандан кейин қўйиб юбордилар. Айний, Қуллар.

**ТўНҒИЗ** 1 Ёввойи чўчқа, қобон. Ер овлоқ бўлса тўнғиз тепага чиқар. Мақол. Эшак иши билан, тўнғиз тиши билан. Мақол. — Унинг [Турсунбойнинг] қамиш чайласи олдидан ўрдаклар учди, яқингинасидан тўнғизлар ўтади. С. Аҳмад, Уфқ. Қамиш ўрмонларнинг бир хилдаги салобатли шовиллаши билан тўнган жимжитлик тўнғиз овчиларининг гоҳо узоқларда гумбуллаган милтиқлари товушидан бузилади, холос. А. Мухтор, Қорақалпоқ киссаси. || Тўнғиз ўқ қобон овлаш учун ишлатиладиган йирик ўқ. Бердивой берданка билан отадиган овчилардан эмас. Тўнғиз ўқ билан ўпирадиган мерган. И. Раҳим, Ихлос. | Умуман чўчқа. Бизникилар: қарам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади, дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимиз-

га берадиган бўлишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* дағл. Тарбия кўрмаган, нодон ёки виждонсиз одам ҳақида. *Мухтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остларигача тортган.. Хомид исмли бир тўнғизни, ниҳоят икки йиллик саргардонлик сўнгида, ёрданчилари билан тўнғизга қоритиришига муваффақ бўлдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | сўж. Чўчқа, аблаҳ. Тўнғиз қўнғур! (қарғ). Тўнғиз қавмида кетгюр! (қарғ). — Кет, тўнғиз, кет тавба қилиш замони ўтди, .. — дер эди халқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Меҳри:] Даданг шу тўнғиз қўнғурнинг заводиди қанча йил тер тўқди. Ахир оқибат ҳақ тўлашга келганда фирромлик қилди. Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

3 Мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил номи. Унинг йили — тўнғиз. — Ҳай Шукур кампир, мучалинғиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн биринчи кунини мучал йил деб бўлмайсиз-а? А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Тўнғиз йили** мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил (қ. мучал).

◆ **Тўнғиз қараш** шумшайиб, ўшшайиб қараш. Ғиёҳдан илгари бир-бировларига тўнғиз қараш қилиб ўтирган, худо урган зикна, битта майизнинг ярмини бировага раво кўрмайдиган, .. бу махлуқлар [еиёҳвандлар] энди тамом очилиб кетган. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ТўНҒИЗЛИК** тўнғиз 2 с. белги оти. **ТўНҒИЗТАРОҚ** Бир йиллик баъзилари кўп йиллик баланд бўйли, тўпғулли ўтсимон ўсимлик.

**ТўНҒИЛЛАМОҚ** 1 Ўз-ўзинга гўнғиллаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб, гудурлаб гапирмоқ; дўнғилламоқ, пўнғилламоқ. У алланималар деб тўнғиллади.

2 Норозилик билан ёки жеркиб гапирмоқ. — Кул ҳа, кул! Сенга шунақа кулги бўлса! — тўнғиллади Сувожон. С. Анорбоев, Оқсой. [Салимжон] бора-бора уйга пўнғиллаб кириб, тўнғиллаб чиқиб кетадиган бўлиб қолди. А. Мухиддин, Давлат қораловчиси.

**ТўНҒИЛЛАШМОҚ** тўнғилламоқ *фл.* бирг. н.— Бери келинг,— чақирди у Фозилхак Азизулхонни ва четроқда бир скамейкага ўтиришиб, тўнғиллашди. Ойбек, Нур қидриб.

**ТўНҒИЧ** 1 Энг катта (биринчи фарзанд ҳақида). Тўнғич бола. Тўнғич ўғил. — Нега она тўнғич қизини жаҳаннамга ташламоқчи? Остин-устин бўлиб кетди ми бу дунё. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўнғичи Азимбек, ундан кейингиси Хушрўй, учинчиси Қаримбек ва тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Энг биринчи, дастлабки. Совет Ўзбекистониди келажаги порлоқ тўқув санатининг тўнғич қорхонаси

бугун ишга тушиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Тўнғич китобини не деб айтишга Қийнагандек шоир тунлари бедор. Ғ. Мирза.

**ТўП** I [ф-т] I айн. **копток** 1. Футбол тўпи. Тўп ўйнамоқ. Рақиб дарвозасига тўп киритмоқ. — Рақибнинг яхши гапидан суюнган Славик икки қўлини чўнтакларига солиб, қизил туфлисининг учиди ердаги майда тошларни тўп қилиб тепа бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Узуи стволли артиллерия қурол; замбарак. Дала тўпи. Танкка қарши ўқ отадиган тўп. Тўп ўқи. Тўпга тўтмоқ. — Кимдир артиллеристлардан бири 76 миллиметрли тўпни судраб келиб, Нормат окопининг ёнига ўрнатди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тонг ёрир-ёримас Оқтепа томонидан тўп ота бошладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қардадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбуллаиди, ора-сара пулемётлар асабий тақиллаб қўяди. Ойбек, Куёш қораймас. Ўзинг биласанки, қилм хужум бошладан илгари артиллерия душман позициясини қаттиқ тўпга тутади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *кўчма* айн. **тўпотар**. Тўпга яқин, қўшининг ўтли нафаси зўрайиши билан буғ йўқолиб, ҳамма ёқ чарақлаб кетди. А. Мухиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. Тўпдан кейин Луқмончанинг онаси этиб келди. А. Мухтор, Туғилниш.

**ТўП** II [ф-т] I айн. **тўда** Тўпдан айрилганни бўри ер. Мақол. — Оддий меҳнаткашлардан бир тўпи эртасига заргар ҳожининг уйига келди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Гумбазнинг қаршисидаги икки тўп кекса чинорнинг скелет каби қуруқ шохларига.. бойқушилар тўпи ҳам келиб қўна бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Аёл] пахтасини келтириб хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фабрикада ўралган, хали бузилмаган ўлчовли газмол. Бир тўп чит.

**ТўП** III тақл. с. Юмшоқ нарсанинг ерга урилишидан чиқадиган кучсиз товуш ҳақида. Олма тўп этиб ерга тушиди. Ташқарида бир нарса тўп этди.

**ТўПАЛАНГ** диал. Тўполон.

**ТўПГУЛ** Попук ёки шода, бошоқ, қаллак, соғбон шаклида бутунлик ҳосил қилган гуллар мажмуи. Оддий тўпгуллар. Мураккаб тўпгуллар.

**ТўПДАЙ**, «дек I Тўпга ўхшаш, тўп сингаран. Тўпдай сапчимоқ. — Ажали етмаган экан, бола бечора соғ қолди... — Нақ бошимдан ошириб отди. Тўнғич қўнғондаги тўпдай гумбуллаиди савил. Ойбек, Қутлур қон.

2 с. т. Қуруқ, мойсиз, тўпондай. Тўпдай ош.

**ТўПИЛЛАМОҚ** «Тўп» этган овоз чиқармоқ, «тўп» этмоқ. Олма тўпиллаб ерга тушиди. — Йигитча уйга тўпиллаб кириб келди-да, ҳеч нарсадна



ҳеч нарса йўқ, стол устига кичкина бир туғунчани қўйди. Е. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

**ТҮПИЛЛАТМОҚ** *тўпиллатмоқ* *фл. орт. н.* Оёқларни тўпиллатмоқ. *Полни тўпиллатмоқ.* *Тўпиллатиб урмоқ.*

**ТҮПИР** *диал.* Тўп, тўда. Ҳамма ёқ қабристон жимлиғидай унсиз, ваҳимали,.. ҳар жой-ҳар жойда тўпроқ, қум тўпирлари. А. Ҳакимов, Илон изидан. Қиндик қони тўкилган она тўпирдан ким жудо бўлгиси келади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТҮПИК** Болдир суягининг пастки учига ён томонга туртиб чиққан дўбоқ қисми. *Тўпик суяғи.* — *Лўм-боздай ғилдирак тош думалаб бориб ўнг оёғи тўпигига қарс этиб урилди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ниҳоят бир қарорга келгандай эгилиб, Шербекнинг этигини ечишга уринди. Бефойда. *Тўпиги, панжаси шишиб, этикни ёриб юборғудай тирсиллаб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Қампир:]. *Буving сенга ёмонни топадими? Хали тирноғидан тортиб тўпигигача тоза синчиклаб текшираимиз.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Ез кунлари Найманчанинг кўчалари тўпикдан чанг бўларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Дунёни сув босса, тўпигига чиқмайди** (ёки **тўпигидан келмайди**) қ. дунё. **Тўпик** ўйини тўпик суягини ўйновчилардан бирига, сўралганда дарҳол кўрсатни шарт билан, бериб ўйналадиган писандалаи ўйин. *Тўпик ўйнаб битта ўтиришга тушимди.*

**ТҮПЛАМ** 1 Маълум тартибда тўпланган бир турдаги нарсалар йиғиндиси; коллекция. *Қадимги танга-чақалар тўплари.*

2 Маълум тартибда тўпланган ва нашр этилган асар, қонун, қарор ва ш. к. мажмуа; мажмуа, югурма. *Шеърлар тўплари.*

3 Тўп, тўда, уюм. *Бир тўплам ўтин.*

**ТҮПЛАМОҚ** 1 Битта-битта териб ёки супуриб, сидириб бир ерга йиғмоқ, тўдаламоқ, уймоқ. *Тўқилган олма-ларни тўплаб қўйдим.* Қумни тўплаб қўй. — [Йўлчи] *мўлжаллаган миқдорини ўриб бўлди. Сўнг, уюм-уюм тўплаб, кенг қўлочига қўқанча кўтариб, бойнинг ташқарисига ташимоққа бошлади.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Олахўжа шошилиб лаганлардаги ошларни бир лаганга тўплади. Бошқалар қўлларини артишди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Кучоқ-кучоқ бареларни Тўплади катта боғдан. Севинчлари қалдирғондек, Учарди сўл ва соғдан.* Х. Олимжон. | *Териб дасталамоқ, термоқ. Сен билан яшнаган, сен кўқартирган Барқут еодийлардан тўпландим чечак.* Ғайратий.

2 Йиғиб кўпайтирмақ, қўр қилмоқ, жамғармоқ. *Маблағ тўпламоқ.* — [Обидий] *ёр-жўралар тўплаб берган пулни белига туғиб, бир шўнғиди.* А. Қаххор, Қўшчинор. [Абдураҳул] *Янгибозор бойларининг ерларини беш йил экиб, биттин ортдирганини тиши-*

нинг қавағида сақлаб тўплайди-да, бир жиҳрон қашқа от олади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. | *Бирор миқдор қабул қилмоқ, йиғмоқ. Взнос тўпламоқ. Солиқ тўпламоқ.* | *Турли манбалардан олиб бир бутун яхлит ҳолга келтирмақ, йиғмоқ; тузмақ, тартиб этмоқ. Коллекция тўпламоқ. Гербарий тўпламоқ. Маълумот тўпламоқ. Диссертация учун материал тўпламоқ. Навоий шеърларини тўпламоқ.* | *Кўчма Кам-кам йиғиб орттирмақ. Қолхоз чорвачилик соҳасида катта тажриба тўплади.*

3 Чақриб, чорлаб бир ерга йиғмоқ, уюштирмақ. *Бригада бошлиқларини правлениега тўпланг.* Аскар тўпламоқ. — *Меҳмонлардан бири ёш болаларни тўплаб шеър ўқиб бераётган бир жувона таъна қилди: — Мусобақада қўз бўйи билан ютган экансиз-да, Тўтихон.* А. Қаххор, Мирзо. *Холхўжа атрофида йиғиб тўплаб юрган кезлари эшон Назирқулани ўз ҳузурига чақирди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Кўчма Борини бир ерга йиғмоқ, йиғштирмақ (куч, диққат-эйтибор ва ш. к.ни). — *Нима? — шу вақтгача парижон турган Ҳури фикрини тўпланди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *У бутун кучини тўплаб, дарахта чирмаша бошлади.* Н. Сафаров, Тилсимчилар. [Йўлчи] *сўнги зарба учун бутун ғазабини, кучини, иродасини тўплади-да, бир қўлини ерга тираб, бошини ердан узди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ТҮПЛАНИШ** *тўпланмоқ* *фл. иш оти.* *Тинчлик ва демократия кучларининг Совет Иттифоқи атрофида тўпланиши.* — *Холмат партбюро аъзоси эмас, оддий коммунист. Энди аввалгидек ҳафтада бир марта партбюрога тўпланиш йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТҮПЛАНИШМОҚ** *тўпланмоқ* *фл. бирг. н.* *Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўрашиди: — Епирай, нима бўлди.* Ойбек, Қўтлуғ қон

**ТҮПЛАНОМ** 1 *тўпламоқ* *фл. ўзл. ва мажх. н.* *Мажлисга кўп одам тўпланди. Чегарага аскар тўпланди. Ердан учун етарли пул тўпланди. Утаан йиллар мобайнида катта тажриба тўпланди.* — *Ховлининг ўрта ерида паканагина балиқтут ўсиб, остига қул ва ахлатлар тўпланган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ишда ҳам Назаров тез кўтарилди. Саидғози бўлса, чеккада кўзга илинмай қолиб кетаварди. Уша маҳалдаёқ унинг кўксига Назарова нисбатан ҳасад тўплана бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *Жипслашмоқ, уюшмоқ. Ер ислоҳоти вақтида ва ундан кейин юзага чиқиб қишлоқ совети атрофида тўпланган активлар, азиям бир дарё бўйида осмондан тушадиган томчиға зор бўлиб ўтиришни кулеили бир ҳол ҳисоблаб, аввал район ижроия комитетига, ундан кейин область сув хўжалиги бошқармасига ариза беришди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТҮПЛАТИЛМОҚ** *тўплатмоқ* *фл. мажх. н.*

**ТҮПЛАТМОҚ** *тўпламоқ* *фл. орт. н.* *Сугорини кечаю кундуз олиб борлади. Булардан ташқари, уч коммунист уч участкада туриб олиб, чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплатиб, далага ташиб турдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТҮПЛАШМОҚ** *тўпламоқ* *фл. бирг. н.* *Пионерлар темир-терсак тўплашди.*

**ТҮПЛОВЧИ** 1 *тўпламоқ* *фл. иш оти.* *Взнос тўпловчи.*

2 *Бирор асар, мажмуа ва ш. к.ни тўплаган, тартиб этган шахс, тузувчи.*

**ТҮПЛОҒЛИ** *Тўплаб, йиғиб, уйиб қўйилган; тўдалоғли. Тўплогли эғне. Тўплогли ахлат.*

**ТҮПОЛОН** 1 *Бехаловат, тартибсиз ўйин, шўхлик. Бола-да. Бола бўлгандан кейин тўполони, шўхлиги билан бўлади-да!* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ҳамроев кечки оёқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаётибди.* А. Қаххор, Айб кимда. *Ҳар бир тўйда тўполон қилиб беармон ўйнаб-қулишга ўрганган болалар бу «улғу тўйдан» норози эдилар. Ойбек, Қўтлуғ қон.*

2 *Умуман бетартиб говур-гувур ҳаракат; югур-югур, қий-чув, ур-йиқит. [Жўра:] Оғайни, бу яна нима тўполон? И. Султонов, Бургутнинг парвози. | Табиий офат натижасида ёки бошқа бирор сабабдан юзага келган бесаранжомлик, тартибсизлик. Бир маҳал узоқдан, алақайдан ёмғир ва шамол тўполонида, қулоқларига ўқ садоси ғира-шира етди.* Ойбек, Қўёш қораймас. | *Ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузадиган ноўй ҳаракат, безорилик. Оғзига тегди — тўполон бошлайди.*

3 *Уриш-жанжал, машмаша, можа-ро. Арзимаган гап устида дунё бузган кундош тўполонлар кимнинг қўлоғига ёқсин? А. Қодирий, Утган кунлар. Шербек Оқсойга тўрт кун деганда, тўполон устига этиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қизим ақлли, бекорга тўполон қилмас.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

4 *Кўчма Исён, ғалаён. Тўполон чиқармоқ (кўтармоқ).* — [Навоий:] *Шоҳим мендан нима истайдилар. [Хўсайн:] Дарवेशам тўполонини бартираф қилиш ва фитначини тириклай тўтиб келтиришни ўзларида ҳавола қилмас.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ТҮПОЛОНЧИ** 1 *Бехаловат ўйинни, шўхликни яхши кўрадиган, ортиқ даражада шўх. Тўполончи бола. || Малика тўполончироқ, Холдор эси ҳаммавақт қўлларини қовуштириб «интизомли» бўлиб ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. | *Ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи, безори. Тўполончи йиғит.*

2 Бекорга, бўлар-бўлмасга уриш-жанжал қилаверадиган, жанжалкаш. *Тўполончи хотин.*

**ТҮПОЛОНЧИЛИК** тўполончи с белги оми. Биров [Сабрдиннинг] дарс вақтида ўтирмаслиги... бошқаси тўполончилиги натижасида синфдаги болаларга кун бермаётгани ҳақида арз қилади. А. Шомирзаев, Бизнинг муаллима.

**ТҮПОН** I Майда чори ёки йирик кепак. Мен бир оз тўпон юборгизаман. Ўкки хил ем, майин беда, кўк чиққунча етади шулар. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 махс. Қизиган темирга зарб билан ишлов берганда остига тўқиладиган темир зарралари. Қизиган темирни чўзганда сандон остига тўқилган майда темирлар «тўпон» деб аталади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 Умуман чанг, тўзон, тўфон.

**ТҮПОНДАЙ** Куруқ, мойсиз; тўпдай. Қўй, бўлди, Буисара, агар ўша кунги мошкичиринани ёғли десанг, кам ёғи қанақа бўлади, тўпондай эди-ку. В. Ғофуров, Вафодор.

**ТҮПОРИ** Утакетган содда, оддий, гўл. Тўпори одам. — Бутун ўқиш даврида кўзга ташланмаган, ҳатто баъзан кулли ҳазилларга нишон бўлган бу [Рустам] оқ кўнил, тўпори йигит, фронтда ўз ўрнини топиб олди. В. Ғофуров, Вафодор. | Содда, оддий одамларга хос бўлган. Бобонинг.. тўпори, самимий сўзлариёа бошлаб Юсупов билан Охунбобоев қарсақ чалдилар, кейин бутун майдон янеради. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**ТҮПОТАР** эск. Кундуз соат 12 пайти; туш, чошқа, тўп (революциядан илгари Тошкентда шу пайтда тўп отилар эди). «Вой ўламасам, тўпотар бўлиб қолибди-ку!» — деди [Ҳожиёа хола] бир вақт соат стрелкасининг 12 рақами устида турганини кўриб. В. Ғофуров, Вафодор. Унсин тумшугига тунука қопланган чойнакка чой дамлаб, иккита кулча билан Шокир отага узатди: — Отажон тўпотар бўлди, чой ичинг! Ойбек, Улуғ йўл.

**ТҮППАЙМОҚ** Дўппаймоқ, тўмпаймоқ. Кўприк тагидан ўтгач, йигит сув четида тўппайиб чиқиб турган қайрағоқ илдизига иктилиб бориб, маҳкам ёпишиди. Мирмуҳсин, Чиниқош.

**ТҮППАЙТИРМОҚ** тўппаймоқ фл. орт. н. Деворга қадалган тахта каравотларга юпқа тўшак тўшоғлик. Унинг устидан оқ йўл-йўл хошияли кул ранг аёл ёпиб, кичкина ёстиқ тўппайтириб қўйилган. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТҮППА-ТҮСИНДАН** рвш Ҳеч кутмаганда, кутилмаганда, кўққисдан. Меҳмонлар тўппа-тўсиндан келиб қолшиди.

**ТҮППА-ТҮҒРИ** I Жуда ҳам тўғри, адил, тик. Урмонжон Курбон отага бўлажак қишлоқ кўчаларидан бирининг суратини кўрсатди: яшил уфқ-

қа туташган тўппа-тўғри ва ниҳоятда озода тош йўл. А. Қажхор, Кўшчинор.

2 Ҳеч қандай хатоси, нотўғри ери йўқ, жуда ҳам тўғри, чин, рост, адолатли. Тўппа-тўғри ҳукм. Тўппа-тўғри маслаҳат. || Ганнинг тўппа-тўғриси шу, ўртоқ раис! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Тўла, тўлиқ, расо. Тўппа-тўғри бир тонна. Тўппа-тўғри минг сўм. — Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса, тўппа-тўғри йигирма тўрт ёшга қадам қўядилар! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 рвш Тўғридан-тўғри, бевосита; тик, тикка. Тўппа-тўғри юқорига ариза бермоқ. | Ҳеч қаерга бурилмасдан, кирмасдан. Мактабдошим Ҳакима Хўжаева билан тўппа-тўғри Самарқандга келдик. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. | Раъя-андиша, юз-хотир қилмай, дангал. Қалчилигини тўппа-тўғри бетиға айтмоқ.

**ТҮППИ** с. т. Дўппи.

**ТҮППОНЧА** I Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун белгиланган, ёнда олиб юриладиган қурул; пистолет, револьвер. Тўппонча отмоқ. Тўппончадан ўқ узмоқ. — Бўронбек тўппончасини яланғочлаб, ота-болага ўқталиб турди. Х. Ғулом, Машъал.

2 кўчма с. т. Кичкина, миқти одам ҳақида. Тўппонча полвон.

**ТҮППОСЛАМОҚ** диал. Дўппосламоқ.

**ТҮПТОШ** Қиз болаларнинг майда тошларни ташлаб-илиб олиб ўйнайдиган ўйини ва шу тошларнинг ўзи. Саодатнинг ҳам, Анорнинг ҳам тўптош ўйнаш даври ўтган-да, бўлмаса улар ана шу думалоқ, силлиқ, ранг-баранг майда тошларни этакларига тўлдўриб олишарди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ТҮП-ТҮЛА** Жуда тўла, лиқ тўла, лиммо-лим. Тўп-тўла бир пақир ёғ.

**ТҮП-ТҮЛИҚ** айн. тўп-тўла. Қўринар баъзи чаман, Чечак билан тўп-тўлиқ, Баъзиси хазонликка Юэни тутган сап-сарик, Ғайратий.

**ТҮП-ТҮП** I Бир неча тўп; тўда-тўда. Тўп-тўп ўтин. Тўп-тўп одам. Тўп-тўп газмол. — Жилганинг ичиди тўп-тўп арчалар, тоғолчалар, ёввойи дўланалар, наъматаклар ўсади. С. Анорбоев, Оқсой. || Чуқурликда, ҳар жой — ҳар жойда одамлар тўп-тўп бўлиб ер қазимоқдалар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТҮП-ТҮП** II тўп III с. тақр. Боққа кирдим, олмалар Қип-қизариб пишибди; Силкитибди шамоллар, Ерга тўп-тўп тушибди. З. Дийёр.

**ТҮП-ТҮСИНДАН** айн. тўппа-тўсиндан.

**ТҮПХОНА** [ф.т] Тўплар, қурул-аслаҳалар сақланадиган жой; арсенал. Биринчи тўқинишда ўз лашкар-бошиси ва тўпхонасини қўлдан берган амир яна ҳийла йўлини тутди. Айний, Куллар.

**ТҮПЧИ** Тўп отувчи, тўп билан қурулланган қисмда хизмат қилувчи; артиллериячи, артиллерист. Бу тена устида доимий тўпчи ва қоровиллар турар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўпчилар ҳолдан кетиб йиқилгунчи отдилар. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТҮР** I I Табиий ёки сунъий толадан катак-катак кўзли ёхуд бежамадор қилиб тўқилган газмол; толь. Нафис тўр. Ип тўр. Пардабон тўр. || Тўр парда. — Нима ҳақда ёши ҳам жуда муҳим масала, — давом этди у. — Лекин... мана шу толь; — деб у деразаларга тутилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди. П. Қодиров, Уч илдиш. | Шундай тўқилган тайёр буюм. Тоғ орқасидан қуёш ҳам бош кўтарди, юзига тўр тутган келин каби хирагина нури билан бутун қирни ёритиб юборди. Ойдин, Ширин келди. Қора тўр қўлақон кишиб, юзига соч-воғча ўхшаш тўр тутган илъянали хотин уни кўриши билан... афтини буриштирди. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Умуман ҳар қандай материалдан катак-катак кўзли ёки бежамадор қилиб тўқилган нарса, буюм. Сим тўр. Футбол дарвозасининг тўри. — Каптархонани каптирлардан ҳоли ва оғзидаги навадан тўқилган тўрларни бузилган кўриб ҳайрон бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. | Қовун пишган вақтида унинг пўстида хосил бўлган тарам-тарам ёки кесишувчи чизиқлар. Тўри яхши қовун. — Қовун ползда турли-туман қовунлар тўр боғлаб ётарди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Кўчма Тузилиши катак-катак кўзли газмолнинг ёки буюмнинг шаклини эслатадиган нарсалар ҳақида. Ургимчак тўри. Ажин тўри. — Кеч ҳам жузда секин кирди. У аранг имиллаб, олам бетиға қорамтир тўрни тўйшаи бошлади. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. Қуёш чиқар, тўр ёяр, Оқар олтин тунлар. Х. Олмжон.

3 Балиқ тутадиган ёки қуш овлайдиган сетка шаклидаги асбоб; матрап. Бедана тутадиган тўр. Тўр билан балиқ овлamoқ. — Пирнафас ака қайиқ, тўр,.. санчқи сотиб олди. Ж. Шарипов, Хоразм. Овчи секин-аста тўрининг ипини тортибди, ҳамма каптар тўрға илинибди. «Эртақлар». Дарёга қалмоқ ташлаган киши илнганини олади-да, қайси бир балиқчи тўрига тўшган лаққани ташлабди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Кўчма Тузоқ, дом. Бошидан ўтган воқеаларнинг баъзилари Тўрахоини ўз тўрлари билан узил-кесил ўраб олишида асқотиб қолиши мўжиз эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Иномжон муҳаббат тўрига тушиди. С. Аҳмад, Мўтти. Покистонлик аёлларнинг бу илк қалдирғочлари ҳам эски одат ва шариятининг темир тўрида ҳануз бўғилади. Ойбек, Нур қидириб.

◆ Узоқни мўлжаллаб (ёки кўзлаб) тўр ташламоқ узоқни кўзлаб иш қилмоқ. Менинг сизга муносабатимни

биласиз. Узоқни мўлжаллаб тўр ташлайдиган йиғитлар тоифасиданман. Тўрт кунлик кўнгалхушига учиб, сизниям, ўзимниям обрўйсизлантириши ниятида эмасман. С. Қароматов, Хижрон.

**ТҮР II** Пойгадга жойга небатан юқоридаги жой, хурматли ўрин; акси пойгаҳ. Ардоқли меҳмонни тўрға ўтқазмоқ. Ғалчани иззат қилсанг, чориги билан тўрға чиқади. Мақол. Тентак тўрини бермас. Мақол. — Полвон тик туриб, отасининг тўрға ўтишини кутди. Ж. Шарипов, Хоразм. Марҳамат! Бу ўзининг тўри сизники, Тўйга келувчилар мингдан кам эмас. Ғ. Гулом. | Умуман уйнинг, жойнинг юқори томони. [Элмурод] қурилишининг икки томонини кўздан кечириб, унинг биттача қандай бино бўлишини тасаввур қилади: синфлар, зал, залнинг тўрида ўқитувчилар хонаси. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳасан сўфи билан Алим бува унгуер тўрға ўтиб, одамларни бир оз ишдан тўхтатишди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

◆ Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда қ. гўр.

**ТҮРА 1 тар.** Юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ. Бу икки қаватли катта ҳовли Азлархон тўраининг ҳовлиси эди. Ойдин, Ҳазил эмиш.

**2 тар.** Хонлар даврида ва чор Туркистонда катта амалдор, ҳоким. Энди билсам, сен бир элга тўрасан. «Гўрўғли». Эллиқбоши.. ўйлади: «Маҳжаммага бориб Ҳакимбойваччанинг обрўсини дастак қиламан. Тўраларнинг оғзига уриш учун пулни бойвачча беради. Мандан нима кетади, қабул қилаверай». Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** Хурмат юзасидан ёни улуғлаб кишиларнинг номига, ўвонига, мансабига, кўшиб ишлатиладиган сўз. Содиқ: — Ҳа-ҳа-ҳа, балли, Мутал, тўрама! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Мула-дўст ўзига ўзи:] Оббо, ҳай бу кун-эрта ёр-ёр, чилдирма бақа-бане, қиблага қараб кўёв тўрам ўтирадилар. Ҳамза, Майсаранинг иши. | кўчма с. т. Улуғлаш учун баъзи нарсалар номига кўшилади. Қудрат ака, паловхон тўра ўзларини жуда азиз қилиб қўйдилар, қарздормиз. Н. Сафаров, Уйғониш. Мана ёнига коньяк тўраини қўйиб, тўнғич ҳосил билан дастурхонни безатдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**4** кўчма Расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ. Бошқарма идорасига жойлашиб қолган икки-учта ўзбилармон тўраининг бебошлиги туфайли ишлар кетга кетганди. Ш. Гуломов, Комсомол иродаси.

**5** Тўра (эркаклар исми).

**ТҮРАЛАРЧА 1** Зодагонларга, аристократларга хос равишда. Тўраларча кеккайиши.

**2** Расмиятпарастларга, бюрократларга хос равишда. Сиз бу тенгсиз гўзалликка, бутун бир ўлканинг тақдирига тўраларча қўл силтамоқдасиз. А. Мухтор, Чинор.

**ТҮРАЛИК 1** тўра 1, 2 с. мавх. от. Мен ҳам Чамбилбеда юрган тўраман, Тўралик вақтимда даврон сураман. «Равшан».

**2** Расмиятпарастлик, тўрачилик, бюрократизм.

**ТҮРАМИЖОЗ** айн. анғирт.

**ТҮРАЧИЛИК** Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қараш, қуруқ расмиятпарастлик; бюрократизм. — Энди, сиз қолибмидингиз тўрачилик қилмаган! — деди Турсуной. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ТҮРВА** [ф-т тўрба] Кичкина қопчиқ, халта. Бўз тўрва. Бир тўрва ёнғоқ. — Қўрбоши ҳам тўрвасини йўқотган гадойдек, қушбегининг чип ёнига, Қумушибининг юқорисига бориб ўтирди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ҳар хил асбоб-ускуналар солинган тўрвасини катта темирға илиб, обкашдай елкасига қўйиб олган челақ тузатувчи гурқураган овози билан жимжит маҳаллага жон киргизиб борарди: — Чела-ак ту-за-та-ма-ан! П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Тузлуқ тўрва қ. тузлуқ. Тўрва қокди охириги фарзанд, кенжабой. Ҳайдар Абдурахмон отанинг кенжа ўғли.. тўрва қокди боласи эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**ТҮРИҚ** Қора қизил, тўқ жийрон (от туси ҳақида). Тўриқ от. — Отабек тўриқ йўрғани чиқариб қутидорга тутди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Шундай тусдаги от. — Нигора?! — Шербек қизиб кетган тўриқнинг тизгинидан тортар экан, ўз кўзига ишонмагандек тикиларди. — Қайси шомол учирди? С. Анорбоев, Оқсой.

**ТҮРЛАМА** Пўсти тўр билан қопланган, тўрлаб, етилиб пишган (қовун ҳақида). Тўрлама шакарпалак. — Алижон бошмалдоғини найза қилиб тўрлама қовунларни бир уриб учириб юборди. Мирмуҳсин, Чиникиш.

**ТҮРЛАМОҚ 1** Ипни тўр шаклида кесиштириб тикмоқ, шу йўсинда тикиб бирор юзани қоламоқ. Пайпоқни тўрлаб ямамоқ.

**2** Тўр шаклида кесишган чизиқлар билан қопланмоқ (етилган, пишган қовун ҳақида). Шакарпалак тўрлай бошлабди. | кўчма Умуман тўр шаклидаги бирор нарса билан қопланмоқ. [Темир тоға] тўрлаб кетган қадоқ қўларини бир-бирига ишиқаб, йиғитларнинг кўзига тикилди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. У.. кўзойнагини қанширидан олиб, кўкиш томирчалари тўрлаб кетган энгагини оқ рўмолча билан артиб қўйди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ТҮРЛАТМОҚ** тўрламоқ фл. орт. н. Совуқ қўлларни ёриб тўрлатиб юборди. — Мана шундай кишимиз ўсган боғлар, жийдани сарғайтириб, анорни қизартирган, пахтани етиштириб, қовунни тўрлатган далалар хумор қилади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТҮРС** Тўнг, қўпол, дағал, қўрс. Тўрс одам. Тўрс гап. || Тўрс сапирмоқ.

**ТҮРСАЙИШМОҚ** тўрсаймоқ фл. бирг. н. Идорадан чиқши билан.. [Дадажон билан Расул] тўрсайишмоқ иккаси икки томонга ажралиб кетишди. А. Муҳиддин, Ҳадя.

**ТҮРСАЙМОҚ** Қовоқ солмоқ, тумтаймоқ. — Гапима ҳеч қулоқ солишмайди, — деди тўрсайиб Раҳим. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эрининг сапирмай тўрсайиб бораётгани [Меҳринисанинг] юрагини сиқарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ТҮРСИҚ 1** Бурдуқ, меш, саноч. Бир тўрсик қилиз. — [Бозорнинг] қилмирлашга дармони йўқ, ичида бир жойи ловиллаб ёнади, тўрсикдаги илиқ суғни ичган сари қора тер болади, танини. А. Мухтор, Чинор.

**2** с. т. ҳазил Лўмбиллаган катта эмчак.

**ТҮРТ 1** снқ сон 4 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Тўрт кун. Тўрт сўм. Тўрт килограмм. Тўртдан бир улш. Ундан тўрт ҳисса. Тўрт барабар оширмоқ. — Тўрт атрофда садоқатли дўстлар, ҳамфикрлар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Емиша тўрт нафр ясовул олиб, Султонали йўлга тушди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. || Чой қорғога ёзилиб, тўрт буқланган хатни бой очди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** Беш балли баҳо системасида: аълодан кейинги яхши баҳо. Ҳамма дарслардан тўрт олдим.

◆ Тўрт кўз тугал (ёки тугаллик билан) қ. тугаллик. Тўрт кўз билан кутди ёки (икки) кўзи тўрт бўлди қ. кўз. Тўрт муча қ. муча 1. Тўрт оғайни қ. оғайни. Тўрт томонинг қибла! қ. қибла.

**ТҮРТБҮРЧАК 1** сфрт Тўрт томони тенг бўлган; чорси, квадрат. Тўртбурчак ҳовли.

**2** айн. тўртбурчаклик.

**ТҮРТБҮРЧАКЛИК** мат. Қарама-қарши томонлари параллел тўртта бурчакли геометрик шакл. Тўғри тўртбурчаклик.

**ТҮРТИНЧИ 1** тартб сон Тартиб ўрни 4 рақами билан белгиланган, 4 номерли. Тўртинчи уй. Тўртинчи бет. Тўртинчи синф. — Ниҳоят, тўртинчи кунни ов бароридан келди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**2** Катта-кичик нарсаларнинг учинчидан катта, бешинчидан кичик ўлчами. Тўртинчи калши.

**3** от, тар. Октябрь революциясининг дастлабки кунларида большевикларга берилган ном (большевикларнинг Таъсис мажлисига сайловларга кўрсатилган номзодларнинг рўйхати бошқа партялар номзодларнинг рўйхати сирасида тўртинчи бўлган). [Мухтор:] Бугун қўлга олинганда тўртинчиларнинг рўйхати Тўрабекка топширилган. Тўрабек бу топшириқни бажара олмаса, эртага ишимиз барбод бўлади. А. Раҳмат, Абдулла Набиев.

**ТҮРГКҮЗ 1** Ит лақаби. Бу итни биламан — Қосимжон бойваччанинг итлари, мени танийди.. Маҳ, Тўрт-

кўз, мах! *Ха, бетавфиқ, ювош эдинг-ку!* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

2 с. т. дағл. Кўз ойнакли киши ҳақида.

**ТЎРТЛАМЧИ** 1 диал. Тўртинчи. *Тўртламчи гагим шуки, ...*

2 кт. Бирор процесс ёки ҳодиса жараёнида тўртинчи ўрин тутадиган, тўртинчи даражали ёки тўртинчи навбатда юзага келган, ҳосил бўлган. *Тўртламчи система (геол.). Тўртламчи дағр (геол.).*

**ТЎРТЛИК** 1 ад. Тўрт мисрадан иборат бўлган қитъа; мурабба.

2 Тўрт кишидан иборат бўлган гурупа. *Тўртлик мажлиси. Тўртлик комиссия.*

3 Тўртта холи бўлган карта. *Ғиштининг тўртлиги.*

**ТЎРТОВ** жамл. сон Тўрт киши ёки тўртта нарса. *Тўртовимиз ҳам борамиз. Тўртови ҳам ёруғ уй.* — *Бу майдонда ишим кўрган, Икков кўрқсанг, тўртов келсин.* «Ширин билан Шакар». *Жилга этагида бир қора пайдо бўлган эди. У бир нафасда отлик қорасига айланди. Бир зумда оқков, учов, тўртов, бешов бўлишди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎРТОВЛАБ** диал. 1 Тўртовлашиб, тўрт кишилашиб. *Биз тўртовлаб бориб, унинг уйини босдик.* Айний, Жаллодлар.

2 Тўртталаб, тўрттадан.

**ТЎРТОВЛАШИБ** рвш Тўрт киши бир бўлиб, тўрт киши бирга, биргаликда, тўрт кишилашиб. *Тўртовлашиб епишмоқ. Тўртовлашиб кўтармоқ.*

**ТЎРТОВЛОН** бирг. сон Тўрт киши, тўрт киши бир бўлиб, биргаликда. *Оатовлон ола бўлса, оғзидагин олдирад, тўртовлон тугал бўлса, унмаганин ундирад.* Мақол. — *Бир кун оқиом, овқатдан кейин, ҳаким, унинг хотини, афанди ва унинг хотини — тўртовлон ўтиришар эканлар.* «Латифалар».

**ТЎРТТА** донна сон Тўрт донна ёки нафар. *Тўртта одам. Тўртта китоб.*

— *Унинг кампири патнис ва бир чойнак чой олиб чиқди. Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чилла ва бир бош қуш чўқиган қандайдир оқ узум бор эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қизил аскарларнинг тўрттаси ярадор бўлса керак, зўрға қадам ташлаб келар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ТЎРТТАДАН** тақс. сон Тўрт дондан, тўртталаб, тўртта-тўртта. *Бола-ларга биттадан қалам, тўрттадан дафтар берилди.* — *Икки томонида тўрттадан саккизта чилдирма «така-тум-так, така-тум-так» деб бараварига мақом бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

**ТЎРТТАЛА** жамл. сон Тўртовининг ҳаммаси, тўртов. *Тўртталаси баравар келди.* *Қовунларнинг тўртталаси ҳам ширин чиқди.*

**ТЎРТТАЛАБ** рвш Тўрттадан, тўртта-тўртта. *Ғиштни тўртталаб ташимок.* — *Бизнинг маҳаллада тўртталаб хотин олган бойлар ҳам бор эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎРҚОВОҚ** Бедана сақлаш учун ярим палла қовоқ пўчоғи ёки ёғоч гардишга тўр тўқиб ясалган қафас. *Чойхоначи .. нозиклар, пистонлар билан безалган тўрқовоқларни .. осган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бу жимликни фақат боғларнинг чилаларига осилган тўрқовоқлардан чиққан «вава», вава», питпилик, питпилик» садолари бузиб турар эди.* Айний, Қуллар.

**ТЎРҒАЙ** 1 Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи қушларнинг умумий номи. *Дала турғай. Қора турғай.* — [Элмурод] *кўзларини қисиб кўм-кўк осмонга қарар экан, қанотини дириллатиб, бир ерда сайраб турган тўрғайни кўрди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Бир шўх бўз турғай Ғуломжон бошидан кетмай ҳа деб бўғлар, нималардир сўғлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзбек халқ классик куйларидан бирининг номи.

**ТЎС** 1 Қайин дарахтининг эгарчиликда ишлатиладиган пўстлоғи.

2 Махсус қора бўёқ. *Шам қаришида қизарган шахло кўзлари, ёш билан синган жиниёла китриқлари, чимирилган тўсдек қора қошлари уни [Қумушни] алақандай бир ҳола қўйган эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. || Қора, қопқора. *Йегит тўс мўйловини ҳимариб қулди.* Х. Назир, Қанотлар.

**ТЎСАТДАН** рвш 1 Кутмаганда, кутилмаганда, қўққисдан, тўсиндан. *Тўсатдан меҳмонлар келиб қолди.* *Тўсатдан қаттиқ шамол турди.* — *Эшик тўсатдан қаттиқ итарилди.* *Узоқда Шоқосимнинг ким биландир хириллагани эшитилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бошимга биров тўсатдан қатта бир калтак билан ургандек бўлди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

2 Ғайрихатёрий равишда, бехосдан, бирдан. *[Йегит] тор қўчининг ярмисига етади, тўсатдан орқасига қайрилиб қаради.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Сийоқжон хийла ергача, ҳудди тўсатдан ўйғонгандай, гараж бир аҳволда борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

3 Ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, дабдурустдан. *Тўсатдан тўй бошламоқ.*

— «Қизиқ одам экансиз», дедингиз. Аммо дўстингдан, яқин бир одамингдан *тўсатдан шундай гап эшитиши менга албатта оғир.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎСИЛМОҚ** 1 тўсмоқ 1 фл. ўзл. ва мажх. н. — *Эртаси кеча яқин ариқ тўсилди, сув кўрачаларга кирди, лекин чархпалак айланмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ғуломжон қуруқ шохлар билан тўсилган ҳовлилардан бири ёнида тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Ойимхон] .. ичкарига қамалаётган тутунни тарқатиш учун айвон олдига тўсилган чийни юмалатиб йиғди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎСИЛМОҚ** II тўсмоқ II фл. мажх. н. Бола кечаси билан икки марта тўсилди.

**ТЎСИН** Иморатнинг ва умуман ҳар қандай қурилма ёки иншоотнинг те-

пасига қўндаланг солинган бақувват балка. *Ёғоч тўсин. Темир тўсин.* Дарбоза тўсини. — *Қшилоқ совети идорасидан одатда мажлисларда ёқиладиган қирқинчи чироқни олиб келиб ёқдилар.* *Ёруғдан уйнинг қоп-қора тўсин ёғочлари ялтираб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Том ёпиш учун тўсин тайёрламоқ.* — *Ўрмондан келтирилган тўсин ва ёғочлардан ер ости бостирмалари тайёрланмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ТЎСИНБОП** Тўсинга ярайдиган, тўсин бўладиган. *Тўсинбоп ёғоч.*

**ТЎСИНДАН** айн. тўсатдан. У тўсиндан бетоб бўлиб қолди. — *Ғўзилар тўрт эллик ердан кўтарилиб, дала бўйлаб кўм-кўк чишиқлар кўзни қувоқтирганда, бир вақт, тўсиндан ҳаво айниди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ТЎСИНЛИ** Тўсини бўлган. *Ун бир тўсинли уй.*

**ТЎСИНЛИК** айн. тўсинбоп. *Тўсинлик ёғоч.*

**ТЎСИҚ** 1 от Ўўлни тўсини, бекитиш, ихота қилиш ёки икки жойни бир-бирдан ажратиш учун ясалган қурилма; ғов, ихота. *Чий тўсиқ. Ҳарбий тўсиқ. Сув тўсиқдан ошиб ўтди.* — *Ҳа демай, шох-шаббалардан қатта тўсиқ ҳосил бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Шифтгача етиб бормасан фанер тўсиқ орқали гаплар баралла эшитиларди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Танклар унча-мунча тўсиқни назар-нисанд қилмай, даҳшат ва ишонч билан масофани қамрарди.* Ойбек, Қўён қораймас.

2 *Кўча* Тўсқинлик, қаршилик; тўғоноқ, ғов. *Тўсиқ бўлмоқ.* — *Паспорт, виза олиш изидан югуриб юрган муфти ноқулай тўсиққа учради.* *Маҳаллий маъмурлар унга Машҳаддан чиқиб кетишга руҳсатнома беришдан бош тортди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Янги қалғалар олишга, Янги кўрғонлар солишга, Янги жаҳонлар қуришга, Тўсиқларни ағдариб — мард одимлар-ла тайёрлан!* Ғ. Ғулом. [Элмурод:] *Муҳаббатга тўсиқ бўлишга қодир куч борми дейсиз? С. Зуннуова, Гулхан.*

3 *сфт* Тўсиб, ажратиб қўйилган, тўсилган, тўсиқли. *Тўсиқ йўл.* || *Ҳовузнинг итрофи тўсиқ.*

**ТЎСИҚЛИ** Тўсиб, ажратиб қўйилган, тўсилган; тўсиқ. *Тўсиқли йўл.* — *Элмурод чий тўсиқли айвон олдидан аста одимлаб, ўз ҳужрасига ўтди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎСИҚЛИК** кам қўлл. Тўсқинлик, қаршилик, монелик. *Тўсиқлик қилмоқ.* — *Дадаси ўз сўзли, вақти келганда, ҳар қандай монеликни яқсон қилувчи забардаст кекса бўлганидан, унинг қизга уйланишига тўсиқлик қилиш мумкин эмаслигини англади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЎСИҚСИЗ** 1 Тўсилмаган, очиқ. *Тўсиқсиз йўл. Тўсиқсиз ҳовли.*

2 Ҳеч қандай қаршиликсиз, монесиз. *Тўсиқсиз иш.*

◆ **Тўсиқсиз** эргаш гап грам. бош

Ғапнинг мазмунига зид, аммо унга тўсиқ бўла олмайдиган маъно англатувчи эргаш гап.

**ТЎСМОҚ I** I Тўсиқ қуриб, ғов солиб ўтиб бўлмайдиган қилмоқ, бекитмоқ ёки иккига ажратмоқ. *Дарёни тўсмоқ. Ҳовлини чий билан тўсиб олмақ.*

2 Ғов бўлиб, йўл бермай турмоқ, қаршилик, монелик кўрсатиб ўтқизмай қўймоқ, тўхтатмоқ. *Баҳор қўлларини кўтариб, кичкина нам қафтлари билан ғир-ғир шабадани тўсди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. — *Уғил, қандай бўлмасин, отанинг қули бўлади, — Эллиқбоши боёвчанинг олдини тўсди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Сизга ўхшаш даллоларга ҳоҳат йўқ. Мен сизни ҳўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқ-чимисиз?* Ойбек, Кутлуг қон. **Йўлини тўсмоқ** 1) йўл бермай тўхтатмоқ; ўтқазмай қўймоқ. *Сув йўлини чим босиб тўсди.* — *Керак эмас, кира кўрманг!* — *Йўлни тўсди Ҳури.* Ф. Мусажонов, Ҳури; 2) кўйма қаршилик қилмоқ, монелик кўрсатмоқ, тўғоноқ бўлмоқ, тўғоноқ солмоқ. *Биз тантанали, қизғин, ғайратли, оммавий иш бошлаш билан ҳамма иғволарнинг йўлини тўса оламиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 3) кўйма йўлтўсарлик қилмоқ. *Бу ерларда мени ёлғиз билдингми? Йўл тўсмоқчи бўлиб, чиқиб келдингми?* «Ёдгор».

3 Пардалаб, пана қилиб бекитмоқ, пардаламоқ, паналамоқ. *Саҳнани қизил духоба парда тўсди.* — *Ҳуломжон қизнинг чап қулогини тўсиб турган эжингалак зулфия тегилиб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чайла эшигини шинели билан тўсиб, .. титраб-қақшаб гугурт чақди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ТЎСМОҚ II** Чақалоқни, ёш болани ҳожат учун қулай вазиятда тутиб, ушлаб турмоқ.

**ТЎСТИРМОҚ I** тўсмоқ I фл. орт. н. Ойналарни парда билан тўстирмоқ. — *Канал-ариқ қаздирган, Сирбарёни тўстирган, Мамлакатни ўстирган, Эсон бўлсин устозим.* «Фольклор».

**ТЎСТИРМОҚ II** тўсмоқ II фл. орт. н.

**ТЎС-ТЎПОЛОН** Беҳад тартибсизлик, бесаранжомлик, ур-йиқит, остин-устун. *Тўс-тўполон қилмоқ. Тўс-тўполонини чиқармоқ.* — *Бола-чақалар бўлмаганидан, уйлари бизникига ўхшаш тўс-тўполон эмас — йиғинчоқлик, иннайкейин буларнинг уйи салкам ажойибхона.* Ф. Ғулум, Шум бола. *Ойпоша қайтиб келмади. Тўс-тўполон бошланди. Ойпошанинг қочгани тўғрисида эрталаб дув-дув гап тарқалди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамажон ака ҳовлиқиб келиб навбатни тўс-тўполон қилиб юборди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. У [Назаров] ҳеч кимга сўз бермай, одамларнинг юрагини ёриб, идоранинг тўс-тўполонини чиқарган. С. Анорбоев, Оксой.

**ТЎС-ТЎС:** тўс-тўс бўлмоқ ҳар ён гарқалмоқ, сочилмоқ, қочмоқ, тумтарақай бўлмоқ. *Додзо куён инини ижарага ол-*

*гач, бошқа «катталари ҳам тўс-тўс бўлиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман. **Тўс-тўс қилмоқ** ҳар ён тарқатмоқ, қочирмоқ, сочмоқ, тумтарақай қилмоқ.

**ТЎСҚИН** Бирор иш-ҳаракат, чоратадбир, ният ва ш. к.га ғов бўлиб тушган, халал бераётган, тўғоноқ солаётган нарса; монелик, қаршилик, тўсқинлик. — *Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман, — деди, — лекин дардисар тирикчилик тўсқин.* Ойбек, Нур қидириб. *Бизга ҳам тўсқин бўлишлари мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТЎСҚИНЛИК** Тўсқин, ғов бўлиб турган, халал бераётган, тўғоноқ солаётган нарса; монелик, қаршилик. *Мўмин Тошмат ўғлининг бу иши биринчидан, колхоз ишига қаршилик бўлса, иккинчидан, аёллар овозида тўсқинликдир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дониёров .. участкадаги ҳамон судралошса сабаб бўлаётган асосий тўсқинликларни ишбонлай бошлади.* Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон. [Дилбар:] *Шундай раислар бор, илгорларга суянади, яхши ташаббусни қўйлаб қуватайди. Бизнинг раис тўсқинлик қилишдан бошқани билмайди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ТЎСҚИНЧИ** Йўл тўсувчи; йўлтўсар, қароқчи. *Меҳнат қўли-ла ҳадисиз Ер сийнаси кулди. Тўсқинчи, ғаним, душман Йўлқичқа сурилди.* Ғайратий.

**ТЎСҚИНЧИЛИК I** Тўсиш, йўлтўсарлик, қароқчилик.

2 айн. **тўсқинлик** [Тўлаган] колхозда мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга ва йўқ имкониятларни яратишга нималар тўсқинчилик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ТЎСҚИЧ I** Тўсиқ, ғов. *Қаримов Норбувини тўхтатди. Кўприкнинг икки ёнига қоқилган зери ёғоч тўсқичига суяндилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 эск. айн. **кляпан I, 3.**

**ТЎСҚОВУЛ** эск. Қоровул, соқчи. *Сен Чамбалининг тўсқовули йўқ кўчаларни биласан.* «Бўтакўз». *Деди ҳар кимнинг эрки ўз қўлида, На ғов, на тўсқовул бордир йўлида.* Ҳабибий.

**ТЎТИ** [ф-т] I Тропик ўрмонларда яшайдиган, кўпчилик тури чиройли, ранг-баранг патли қуш. *Илҳом самоварчи самоварча одамни кўпроқ чақирши учун тўти сақлагандай, Ҳожи бобо уста Салимни тўти қилиб боқар эди.* Ф. Ғулум, Шум бола. *Тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбулар ҳам ёлғиз эмас, жуфт тўтишадилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Тўти қуш айн. тўти I.**

2 *кўйма* Жуда ғўзал, позанин аёл ҳақида. *Қизлар мажлиси гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бир қиё боқдим, илдиним тўтининг занжирига, Ҳеч илож тополмадим парвардигор тақдирига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 **Тўти** (хотин-қизлар исми).

**ТЎТИДАЙ,** эдек I Тўтига ўхшаш,

тўти сингари. *Тўтидайд бировнинг вапини қайтармоқ.*

2 *кўйма* Жуда чиройли, ғўзал аёл ҳақида. *Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтирадир .. тагин қанақа каму кўст?* А. Қодирий, Утган кунлар. || *Оҳ, агар менинг ҳам болам бўлса эди, тўтидек қилиб ясантириб қўяр эдим-да, бағримга босиб-босиб эмизардим.* Уйғун, Турсунуй.

**ТЎТИЁ** [ф-т] I Мис купориси (тиник кўк йирик кристаллардан иборат модда, мис сульфат).

2 эск. Эски вақтларда кўз оғриғига қарши ёки кўзни равшан қилиш учун кўзга суртиладиган дори.

◆ **Кўзга тўтиё** жуда азиз, муқаддас ёки ноёб нарса ҳақида. *Тупроғинга кўзимга тўтиё бўлсин.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Тўтиё қилмоқ** тўтиёдек кўзга суртмоқ, эъвозламоқ. *Тўтиё қилсам муқаддас тупроғингни не ажаб, Уйла-сам роҳат топар ҳар лаҳза жоним, ас-салом.* Ҳабибий.

**ТЎТИЁЛИК** Азиз, муқаддас нарса. *Талабким топмағайлар тўтиёлликка ғуборимни Туганди аинки гулгун энди қолди заъфарони юз.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ТЎФОН** [а] I Шиддатли бўрон, довул. [Нормат] *икки кечагача уйқу ололмади, кўзини юмса тиракнинг шовуллаши тўфон босиб келаётгандай кучаяверди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳамиша у кўзғалса бўронлар ҳам қолиб тин, Океанларда тўфонлар топа олур осойиш.* Ф. Ғулум. [кўйма Дунёни остин-устин, аёғов-далғов қилувчи, ларзали ҳаракат, бўрон. Қолли тўфон. Жанг тўфонлари. — Эркликнинг қуёши нурларин сочиб Чин ҳаёт тўфонини кўзгалган чоқда. Уйғун. Қиши мақсадга етман деса, балолар тўфонига бардош беради, офатларни енади, сабот билан курашади. Н. Сафаров, Шарқ тонги. [кўйма Кучли тўлқин, туғён. У қарама-қарши йўлар тўфонинида ғарқ эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Диний афсоналарга кўра одамларнинг гуноҳи учун бутун дунёни босган сув тошқини.

**ТЎФОНЛИ** Тўфон билан бўлган; бўронли. *Тўфонли денгиз.* — *«Аврора» садолари янграгунгача не-не бўронли ва тўфонли асрларни.. бошдан кечирилмади!* В. Зоҳидов, Қуёшни қутлаб.

**ТЎХТА айн. тувалоқ.**

**ТЎХТАЛИМОҚ I** тўхтамоқ I, 2 фл. ўзл. н. *Иш тўхталмасин. Унинг нафас олиши тўхталди.* — *Абдурашул Элмурода нима тўғрисидадир сўз очган эди, тўхталиб, жавоб қайтаришга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 **Оғизга, тилга олиб ўтмоқ, тўхтамоқ.** *Тошкент беклиги тўғрисида кўп музокарадан кейин Юсуфбек ҳожи ўз яраси устида тўхталди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Тўхталиб гапирмоқ** дудқланиб ёки тутилиб гапирмоқ.

**ТЎХТАМ I** Қарор, ҳукм. *Ҳўжабеков*



кейинги вақтда кўп ўйлади. Ниҳоят «Шербек жиддий хавфли рақиб» деган тўхтамага келди. С. Анорбоев, Оқсой. Кечқурун коммунистлар билан биргаликда кенгайтирилган правление чақирилди, бу ерда эндиги ишлар тўғрисида бир тўхтамага келиб олинган бўлди. С. Маҳқамов, Ғалвирни сувдан кўтарганда.

2 Битишув, келишув, битим. Сирли суҳбатлар билан Қилдилар тўхтама. Рухсат олиб йўқолди, Раҳмат-ла Баҳром. Ғайратий.

**ТЎХТАМОҚ 1** Давом этмай қўймоқ, давомдан қолмоқ. Иш тўхтади. Гап тўхтади. Отишма тўхтади. Шамол тўхтади. Ёмғир тўхтади. Сув тўхтади. — Оёқ товуши тўхтаб нариги ёқдан уста Олимнинг товуши келди. А. Қодирий, Утган кунлар. Вужудини қақшапти турган тиш оғриғи бирдан тўхтагандай, Сидиқжоннинг кўзи ялт этиб очилиб кетди. А. Қаххор, Кўшчинор. Тўхтаб қолган, қовжираган булоқлар, Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишдир. Ғайратий.

2 Ўз ишини, ҳаракатини, фаолиятини бас қилмоқ, юрмай, ишламай қўймоқ. Соат тўхтади. Вентилатор тўхтаб қолди. — Биз совет жангчиларининг севакли ва жонажон дўсти Ҳамид Олимжоннинг .. олов юраги уришдан тўхтади. Н. Сафаров, Мардлар. [Отабек] икки йилдан бери тўхтаб қолган савдогарчилик ишини қайтадан бошламоқчи эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Йўлчи санқиб юриб, анҳор ёқасида тўхтади. Ойбек, Қутлуғ қон. Станциянинг биринчи изига қизил шиелон келиб тўхташи билан, яна чўзиқ команда эшитилди: — Вагонларга! И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Қилаётган иши, гапи ва ш. к.ни тамом, бас қилмоқ ёки узмоқ. Ишдан тўхтамоқ. Гандан тўхтамоқ. — Элмурод отиноининг дўқи билан йиғидан тўхтади. П. Турсун, Ўқитувчи. Шарофатхон бир зум тўхтаб атрофга қаради, сўне товушини пассивитириб давом этди. Ойбек, Қутлуғ қон. Орада ётсираша ўхшаш бир ҳол бор, нима учундир бир сўзлаб икки тўхтар эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Сафарда, йўлда бирор ерга қўнмоқ, тушмоқ. Батальон ярим кечада хароба бир қишлоққа келиб тўхтади. Ойбек, Куёш қораймас. | Кўнган, тушган, борган ерида маълум вақт бўлмоқ, турмоқ. У [Отабек] Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса, икки-уч кун туриб қайтар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Туриб қолмоқ, сақланмоқ. Унинг қўлида пул ҳеч тўхтамайди. Керакли мол магазинда тўхтаб қолмайди.

5 Қарор қилмоқ, қарорга, тўхтамага келмоқ. Шундай қилиб нимага тўхтадинглар? — Биз шу ердаги оғайнилар билан кенгашиб бир гапга тўхтаб қўйдик. А. Қодирий, Утган кунлар.

6 кўчма Оғизга, тилга олиб ўтмоқ, тўхталмоқ. Мен бир масала устида

муфассал тўхтамоқчиман. — Лекин, ўртоқлар, мен ҳам қисқача тўхтаб ўтмасам, тарс ёрилиб кетаман. А. Қаххор, Тўй.

7 махс. Ҳомиладор бўлмоқ, қочмоқ (чорва моллари ҳақида).

8 Сабр қилмоқ, кутмоқ. Майли, яна бир-икки кун тўхтаб туринг! — Тўхтаган бўлмаса,— деди,— мен бир иш қилайки.. аммо шу дақиқадан бошлаб иштиёрингизни менга топишинг! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЎХТАТИЛМОҚ** тўхтатмоқ 1, 2, 3 фл. мажх. н. Иш тўхтатилди. Сув тўхтатилди. Машина тўхтатилди. Қабул тўхтатилди.

**ТЎХТАТМОҚ 1** тўхтамоқ 1, 2 фл. орт. н. Ишни тўхтатмоқ. Сувни тўхтатмоқ. Машинани тўхтатмоқ. Музакараларни тўхтатмоқ. — Ҳоқим кулгини бирдан тўхтатди, қовоқларини солди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Асад қори тахтадаги ёзувни тартиби билан ўқий бошлади: — От, ол, оқ...— Йўқ,— деди қози, уни тўхтатиб. — Бошидан ўқинг. М. Исмонлий, Фарғона т. о. — Ким келаяпти? — Нормат Эминни тўхтатди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кейинчалик сотиш учун олиб сақлаб қўймоқ. У бир тонна олма тўхтаптиб қўйибди.

3 Бекор қилмоқ ёки амалга ошувини, жорий этилишини маълум муддат кечиктирмоқ. Ижрони тўхтатмоқ.

4 кўчма Босмоқ, тиймоқ, тутмоқ. — Афсонадир,— деди Дуся куллидан ўзини тўхтата олмай. Н. Сафаров, Саодатнинг кўсаси. — Қизик,— кўзларини чиққис сузиб хотин гапира бошлади,— сартлар ё сира ичмайдилар, ё бир ичсалар, уларни тўхтатиб бўлмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЎХТАШМОҚ** тўхтамоқ 2, 3, 5, 6 фл. бирг. н. Тогошабинлар кулидан зўрга тўхташди. Меҳмонлар Тошкентда уч кун тўхташди. Экскурсиячилар кўл бўйида тўхташди.

**ТЎХТОВСИЗ 1** Сурункали, узлуксиз, бетўхтов. Тўхтовсиз ҳаракат. Тўхтовсиз ёмғир. Тўхтовсиз таъминот. || Тўхтовсиз гапирмоқ. — Сўнги командадан кейин снаряд ва миналар навбатма-навбат, сийракроқ, лекин тўхтовсиз портлаб турди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кечиктириб бўлмайдиган, бетўхтов, ошиғич. Тўхтовсиз жавоб. || Тўхтовсиз этиб келинг. Буйруқни тўхтовсиз бажаринг. — Агар қочмаганларида, подшо уларни тўхтовсиз ўлдириб юборар эди. «Эртақлар».

**ТЎШ 1** Гавданинг бўйин билан қорин ўртасидаги олд қисми; кўкрак. Тўшини тўшга қўймоқ. Тўш беши (анат.). — [Зебо] ойнага қараб ўзини тўзатди. Дуррачаси билан тўшига ёпишган қўйлагини сал кўтариб елди. Шухрат, Шинелли йиллар. Болам деб босайин тўшима, Келгин болам, чакқон қошима. «Рустама». Айтнинг, нима қилай?? Қизингизни тўшига торт-

ган номард мени масхараламайдимми? С. Аҳмад, Хукм.

2 Мол ва қушларнинг кўкрак қисми, кўкраги. Дала-тузни сув олса, қўнғир гознинг тўшидан. Мақол. | Кўкрак гўшти. Норинбоп тўш. Тузланган қўй тўши. — Афанди гознинг тўшини олиб айтди: — Мен хизматдаги қулман.. шу ҳам бўлади. «Латифалар». Лаганда самарқандча майиз палов бўлиб, ош устига тўш ва қози қўйилган. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

3 кўчма Бирор нарсанинг кўкракли ери; сўйна, бағир. Оша тулроқ тўшига инсон қўли билан илк чигит доналари қадади. Ш. Ғуломов, Комсомол продаси. Сени ўраб олган тоғлар тўшига Тўлин ой ёймоқда қумуш коқилин. Зулфия. Тўш урмоқ (ёки бермоқ) 1) тўшнинг теккизмोक, қўймоқ. Диловархўжа тўши бериб ётан еридан ирғиб турди. Шухрат, Олтин зангласма. Тўққинга тўши уриб қалдирғоч, Сув устида этади парвоз. Э. Раҳим; 2) бирор юксакликка етмоқ, уринмоқ. Булутга тўш урган юксак тоғлар ҳам, Буюкликни сендан олар, онажон. Ж. Умаров.

4 диал. Тенгқур; дўст, ўртоқ. Етимда не қилар тенг билан тўшлар. «Равшан».

**ТЎШАК 1** Жун, пахта сингари юмшоқ нарса тиқилиб ясалган қалин ўрин-бош анжони. Пар тўшак. Жун тўшак. Духоба жилди тўшак. Ўз уйим ўлан тўшасим. Матал.

2 Этиш ёки ўтириш учун солиғлик ўрин. Мен болагимдан бери ҳеч тўшакда ётган эмасман. А. Мухтор, Тўғилиш. Ҳасанали .. бекнинг тўшагини ёзиб, унинг кириб этишини кўтиб турди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қани, тўшакка, ўтиринг, Вали ака. Э-э, бу ёққа чиқинг. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

3 диал. Кўрпача, поёндоз.

**ТЎШАЛМОҚ** тўшамок фл. мажх. н. Намат тўшалган уй. Тош тўшалган йўл. — Йўл устида том бўғотларининг қуюқ қўлчанкалари худди шолча каби тўшалиб этибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бойчечаклар кетидан ер бағрига қил-қизил гиллам тўшалди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Саҳар пайт уйғониб меҳмонхонага кўз ташладим, қатор тўшалган ўринлар бўм-бўш. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ТЎШАМА** Бирор юзага тўшалган, солинган, ётқизилган нарса, қатлам. Похол тўшама. Ботқоқ йўлга босилган шох тўшама. Қалин қўй қийлари ўрнидан қўзғатилиб, устига янги тўшама сепаб қўйилган. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. У [Ойнаса хола] қуртларни оқатлантириши, тўшамаларини янгилаш жадвалини кўриб чиқди. А. Шораҳмедов, Ут юраклар.

**ТЎШАМОҚ 1** Тўшама солмоқ, босмоқ, ётқизмоқ, тўшама билан қопламоқ. Қўчага тош тўшамок. Ботқоқ йўлга шох тўшамок.

2 Солмоқ, ёзмақ (ўрин, палос ва ш. к.ни). Умри хола қизи билан менга



Ғрин тўшаб берди. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Бозоров селпо магазини рўпарасига, ариқ бўйидаги сўрга қизил гилам, иккита кўрпача тўшаб, тўртта пар ёстиқ ташлаб қўйибди. И. Рахым, Чин муҳаббат. | кўчма Қопламоқ, буркамоқ. Бутун атрофни оплоқ қор тўшабди. — Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин, Баҳор йўлларингга тўшасин чечак. Зулфия.

**ТЎШАТИЛМОҚ** тўшатмоқ *фл.* мажҳ. н. Йўлларга асфальт тўшатилди.

**ТЎШАТИШМОҚ** тўшатмоқ *фл.* бирг. н. Очиқ билан Мадумар ертўла кавлашни буюришди, ерга хашақ тўшатилди. А. Мухтор, Чинор.

**ТЎШАТМОҚ** тўшамоқ *фл.* орт. н. Йўлга тош тўшатмоқ. — [Отабек] чойини наридан-бери ичиб, ўрнини тўшатиб ётди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЎШДОР** Тўши, кўкраги кенг, кўкрақдор, тўшли, кўкракли. Тўшдор йиғит.

**ТЎШЛИ** 1 Тўши, кўкраги бўлган. Қора тўшли қалдирғоч, Уй шипига қўйди ин. «Кўшиқлар».

2 *айн.* тўшдор.

**ТЎШОҒЛИК** Тўшалган, тўшаб, солиб қўйилган; солиглик. Девора қадалган тахта каравотларга юпқа тўшақ тўшоғлик. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ТЎҚ** 1 Овқатга бўлган талабини, нафсини қондириб, тўйиб овқатланган, овқат еб олган. Тўқ бола. Тўқ моллар. || Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ. Мақол. — Таомни тугатиб, қизлар тўқ ва шод қўйиниларниқига, дугоналариниқига копток ўйнагани чиқиб кетдилар. Ойбек, Нур қидириб. Тўқ тутадиган қоринни яхши тўйдирадиган; тўйимли, жирли. Одамни тўқ тутадиган хушбўй ва ширин Тошкент совғаларини маза қилиб едик. М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

2 Хеч нарсадан муҳтожлиги йўқ, ўзига бахузур, бадавлат. Тўқ хўжалик. — Қолхозимиз яна тўқ, Ғам-ғуссадан асар йўқ. К. Мухаммадий. Тўнгиздан тўқ ниҳоятда бой, бадавлат. Ўзи тўнгиздан тўқ, тагин сендан капсан олар эмиш, вай капсан еган тишингга. А. Қодирий, Обид кетмон. || Турмуш оғир, қимматчилик, ҳаммаси ўзингизга маълум. Тўқларнинг иши йўқ, дардимиз кўп. Ойбек, Болалик. Ўзига тўқ *айн.* тўқ 2. Ўзига тўқ одам. Ўзига тўқ хўжалик. — Студентлик пайтларимда ота-онани бор, ўзига тўқ студентларга хаасим келарди. С. Аҳмад, Таъзим. | Фаровон, маъмурчиликдаги, мўл-кўлчиликдаги. Тўқ турмуш. || Кекса кишига, яна кундош устича тушинини хаёл қилганмидим? Лекин вақти келганда, кўндим, укаларим тини, тўқ яшасин дедим. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Мағзи, ҳосили етарли бўлган; тўлик, бўлиқ, бўлали. Тўқ ёнғоқ. Тўқ пилла. — Кўраги мўл, толаси пишиқ, чигити тўқ бўлсин десан, шундай

[барвақт ҳаракат] қил. Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

4 Қорага ёки умуман қуюқ ранга мойил, қуюқ (ранг, тус ҳақида). Тўқ ранг. Тўқ қизил духоба. — Осмон тўқ сариқ булут билан қопланган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келишим бор экан. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ (Мендан) қорнингиз тўқ экан кимсаннинг айтмоқчи бўлганини бошқа киши олдинроқ айтганда ишлатилган ибора. Мен ҳам худди шунини айтмай деб турган эдим, мenden қорнингиз тўқ экан.

**ТЎҚ II** тақл. с. Бўшроқ нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўладиган очиқ товуш ҳақида. Қози уларнинг кўқариб кетган юзларига бир зумгина хўмрайиб турғач, қўлидаги хасса билан олдиндаги столни тўқ этказиб урдию: — Йўқол деб қичқирди. М. Исмоилй, Фарғона т. о.

**ТЎҚА** Камар, тортма ва ш. к.нинг учини ўтказиб тақилладиган қисми. Мис тўқа. Камар тўқаси. Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи тўқага. Мақол. — Тилладандир ёқаси, Олтин отнинг тўқаси. «Равшан».

**ТЎҚАЙ** 1 Қамиш босиб ётган зах ёки ботқоқ ер; қамишзор. Мавлон ака анави кунни Султонбой билан тўқайга бориб, «қўйқон арачасига қамиш босиб келди. Х. Ғулум, Мағьгал. Бердибой тўқайга шולי ўроққа кетади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Қуюқ накалакзор, чакалакзор ўрмон. Тўқайга ўт тушса, хўлу қуруқ баравар ёнади. Мақол. — Сидиқжон болани бағрига босганича, бир-бирига киришиб кетган буталар, шохлар орасидан оёғи ва елкаси билан йўл очиб, тўқайнинг ичкарисига бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 *кўчма с. т.* Қуюқ, зич ўсган нарсалар ҳақида. Ҳовлимиз тўқай бўлиб кетибди.

**ТЎҚАЙЗОР** *айн.* тўқай 1, 2. Атрофдан оғочлар, ўтлар, тўқайзорлар орасидан у қичқирди, дод, инграш зийшди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ТЎҚАЙЗОРЛИК** 1 тўқайзор *с. мавҳ.* от.

2 Тўқай кўп ер; тўқайзор, тўқайстон.

**ТЎҚАЙИСТОН** Тўқай кўп ер; тўқайзорлик. Қалмоқ юртин назар солиб кўради, Тўқайистон ерда кетиб боради. «Алпомиш».

**ТЎҚАЙЛИК** 1 тўқай *с. мавҳ.* от.

2 Тўқай босган ер, тўқайзор, тўқай. — Олдимда бир тўқайлик пайдо бўлиб қолди. Тўқайнинг ичида ёлғиз йўл бор экан, — деди Шум бола. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ТЎҚИЛЛАТИШМОҚ** тўқиллатмоқ *фл.* бирг. н. Чоллар хассаларини тўқиллатишиб келиб қолишди.

**ТЎҚИЛЛАТМОҚ** Тўқ-тўқ овоз чиқармоқ. У [Мўтилла] қўлатиқ таёгини тўқиллатиб воғзалдан чиқди.

Мирмуҳсин, Мўтилла. Чол ҳали тиззасидаги маҳсини тўқиллатиш уриб қўйар, ҳали сув пурқар, ичида китобдаги гапларнинг мағзини чақар эди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ТЎҚИЛМА** *ад. айн.* тўқима. Ҳаёли янги асарини тўқилмаси билан овора эди. Ойбек, Навоий.

**ТЎҚИЛМОҚ** тўқимок *фл.* мажҳ. н. Сунъий толадан тўқилган газмол. Новдадан тўқилган савит. Халқ ўртасида тўқилган афсона. — Эртасига Исломуўжа ҳақида уйдирма гаплар, фиска-фасодлар тўқилди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ТЎҚИМ** 1 Жазлик ёки эгар остига қўйилладиган, олатда кигиздан қилинадиган от-улов абзали. Қизил тўқим. Эшакка — тўқим, одамга — либос. Мақол. — «Оқтойнинг устида эски олачи кўрпачадан тўқим, суяк қоши учиб кетган эзар, қандайдир дироъа халқаси илинган узанги. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Соқи дарҳол Сарик саманга якка тўқим солиб, жузганлиб миниб чиқиб кетди. «Бўтакўз». Тўқим урмоқ 1) от-уловга тўқим солмоқ; тўқимламоқ. Тойга тўқим урмоқ; 2) *кўчма* бирор нарса ўтказиб, миннатдор қилиб ёки бошқа бирор йўл билан ўзига тобе, қарам қилиб олмақ. Ер сизники деганимиз сизга тўқим урганмиз бўладими ҳали? А. Қаххор, Қўшчинор.

2 *диал.* Тандир ёки ўчоқнинг намаат ёки матадан қилинган ёниги.

◆ Тўқим табиат ҳеч нарсаннинг маъносига, фарқига бормайдиган, диди йўқ, дидсиз, бефаросат. Кеча ҳалиги Холдор деган тўқим табиат бола севги ҳақида бемаза гап гапирди. С. Мухтор, Тугилиш.

**ТЎҚИМА** 1 *сфт* Тўқиб ясалган, тўқилган. Шавкат Зоқир билан индамай кўришди-да, тўқима стулни четроққа суриб ўтирди. П. Қодиров, Уч илди. Тўқима шяла кийган Раёно онасининг кўзига бошқача кўришиб кетди. Х. Назир, Чўл ҳавоси.

2 *от, маҳс.* Газмол, газлама. Шойи тўқималар. Тўқималар виставкаси.

3 *от, биол.* Ўзаро боғланган ва организмда белгилли бир ҳаётий вазифани бажарадиган хужайралар бирикмаси. Нерв тўқималари. Суяк тўқималари.

4 *от, ад.* Бадний асарнинг асосий мазмунини ва ундаги қахрамонларнинг характерини очиб берадиган, ўзаро узвий боғланган воқеа-ҳодисалар мажмуи, тўқилма, сюжет. — Ўйғур постановкага халқ шоири — байни ролни киритди, байни ҳар бир кўришни олдидан тингловчиларга воқеа-ҳодисалар, Фарҳоднинг сарғузаитлари тўғрисида сўзлаб бериб, пьеса тўқимасини тўлдириб борди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

5 *сфт* Йўқ ердан тўқиб, ўйлаб чиқарилган; уйдирма. Тўқима гап. Тўқима образлар.

**ТЎҚИМАЧИ** 1 Текстиль саноатининг ишчиси, мутахассиси.

2 Газмол тўқувчи ишчи ёки хунар-манд.

3 *кўчма с. т.* Йўқ ердан гап тўқувчи, уйдирмачи. Тўқимачи одам. — Сўзлар худди тўқимачи шоирникидай қўйилиб, бири-бирини бежаб тушади. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ТЎҚИМАЧИЛИК** 1 тўқимачи 1, 2 с. касб оти. Тўқимачиликни эгалламоқ.

2 Газмол тўқини ва ишлаб чиқариш иши ва халқ хўжалигининг шу иш билан шуғулланадиган тармоғи. Ўзбекистонда тўқимачиликнинг юзага келиши ва ривожланиши. Тўқимачилик саноати. Тўқимачилик комбинати. — Меҳмонхона айна замонда дўконхона ҳам бўлиб, пойга томонда тўқимачилик дўкони.. бор эди. Айнйй, Эсдалликлар.

3 *кўчма с. т.* Йўқ ердан гап тўқини, ёлгон-яшиқларни уйдирши; уйдирмачилик. Тўғонбек бу сўзлардаги кинояни тушунди. — Ундай тўқимачиликка берилманг,— деди. Ойбек, Навоний.

**ТЎҚИМЛАМОҚ** От-уловга тўқим урмоқ, тўқим солмоқ. Отни тўқимлаб минмоқ. — Эшакнинг бирини тўқимлаб устига нон, сув идиши ва битта ко-са солинган хуржунни ортдилар. Айнйй, Қуллар.

**ТЎҚИМОҚ** 1 Тўқима газмол ёки буюм ясамоқ, тайёрламоқ. Чит тўқимоқ. Пайпоқ тўқимоқ. Замбил тўқимоқ. Тўқисан рўмол. Мулла билганин ўқир, бўзчи билганин тўқир. Мақол. — Эликбоши майин тўқилган чакмонини ечди, тухумдай силлиқ ва оппоқ салласини олиб қозикқа илди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ўзинг тўқиб кетган катта саватда Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман. Ғ. Ғуллом.

2 *кўчма* Йўқ ердан ўйлаб чиқармоқ; сўқмоқ, уйдирмоқ. Гап тўқимоқ. Иғво тўқимоқ. Билган ўқир, билмаган тўқир. Мақол. — Ҳаммаси бўлган гап-да. Бўлмаса, ёлгонни шундай тўқиб бўладими-а, ўртоқ Дўсматов? П. Турсун, Ўқитувчи. «Минг бир кечанинг Шаҳризодаси афсона тўқиб ўлимдан қутулиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридеги сингари ривоятлар паноҳида омон юрибди. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

3 *кўчма* Ижод этмоқ, ёзмоқ; басталамоқ. Шеър тўқимоқ. Қўшиқ тўқимоқ. — Сўзини ўзим ёзганман, оҳангини Анорхон тўқиди. И. Раҳим, Ихлос. Вой у чалган дўторни, тўқиган ғазалларни эшитсангиз! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Санъаткор фақат қизиқ-чиликларнигина эмас, балки кичик кулгилли ҳикоялар ҳам тўқирди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ТЎҚИНИШ** 1 тўқинмоқ *фл. иш оти.* Дарҳол .. ярим газлик пичоғини қинидан ярим сугуриб чиқаради, дамига чироқнинг нури тўқиниши билан пичоқ ярқираб кетади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *айн.* тўқнаш. Мен остонага қадам қўйганимда, унга тўқиниш келдим.

3 *айн.* тўқнашув 2, 3. Қуролли тўқиниш. Автомобиллар тўқиниши. За-

бастовқачилар билан полиция ўртасидаги қонли тўқинишлар. — Биринчи тўқинишда ўз лашкарбошиси ва тўп-хонасини қўлдан берган амир яна ҳийла йўлини тутди. Айнйй, Қуллар.

**ТЎҚИНИШМОҚ** 1 тўқинмоқ 1 *фл. бирг. н.* Машиналар тўқинишиб қаттиқ шикаст ебди.

2 Тўқнаш келиб жанг қилмоқ; жангга кирмоқ. Разведка душман дозорлари билан тўқинишди.

**ТЎҚИНИМОҚ** кам қўлл. 1 *айн.* тўқнашмоқ. Автомашина трамвайга бориб тўқинди. — Булутларнинг оҳи-стагина сайридан.. енгилгина бир изғириқ ҳам юзга келиб тўқинар .. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Тегмоқ, ботмоқ. Қора Аҳмаднинг сўзлари Тантубойваччага қаттиқ тўқинди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТЎҚИТМОҚ** тўқитмоқ 1 *фл. орт. н.* Атлас тўқитмоқ. Ўзига пайпоқ тўқитмоқ.

**ТЎҚИТТИРМОҚ** тўқитмоқ *фл. орт. н.*

**ТЎҚИШМОҚ** 1 тўқиммоқ *фл. бирг. н.* Кампирлар пайпоқ тўқишяпти. Боллар янги шеър ва қўшиқ тўқишбди.

**ТЎҚИШМОҚ** II *диал.* Тўқнашмоқ, учрашмоқ. Туғу байроқ бир-бирига тўқинди энди.. Бир-бирига «не қиламиз?» дейишди энди. «Хушкелди».

**ТЎҚЛАМОҚ** кам қўлл. Тўйдирмоқ, тўқ қилмоқ. Йўлга қорнимизни тўқлаб чиқдик.

◆ Кўнгилини тўқламоқ хотиржам қилмоқ, тинчитмоқ.

**ТЎҚЛАНМОҚ** тўқламоқ *фл. ўзл. н.* Ёрилгунча тўқланмам, Тонг отгунча ухлломдам, Қилгум тоат тонг қадар. Шоҳид кўк юлдузлари. Ҳамза.

**ТЎҚЛАШМОҚ** тўқламоқ *фл. бирг. н.* ТЎҚЛИ Урғочи қўзи; қўзичоқ. Бир қўйчор боши кетеунча неча тўққлининг бошини еydi. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Ориқни семизга, қўзини тўқлига, тўққлини қўйга, кичкин каттага алмаштираганини биласизми? Биласиз!

III. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТЎҚЛИК** 1 тўқ I с. белеи оти. Қориннинг тўқлиги. Раненинг тўқлиги. Бир оқликнинг бир тўқлиги бор. Мақол. — Тўқликдан, семизликдан, исқидан худди узоқ йўл юриб келган қўй сингари ишосупада пўқиллаб ўтирган мингбошини самоварчининг дастёри тинмай елпир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тўқ, фаровон турмуш. Тўқлик, тўқликдан чиқар шўхлик. Мақол. — Мен тириклик тўғрисида ўйлайман. Сенлар тўқликка шўхлик қиласанлар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ТЎҚМОҚ** 1 Дастаси ва уриладиган қисми кўпинча ёғочдан қилинадиган, босқонга ўхшаш асбоб. Олчин тўқмоқ. Тунукасоллар тўқмоғи. Дурабзорлар тўқмоғи. Тўқмоқ билан псй титмоқ. Тиришганининг тўқмоғи тошга чега қоқар. Мақол. — Олахўжа махсум бошига қўққисдан тўқмоқ билан урил-

гандай, гангиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Обиджон шу қадар хавлаа чўмиб кетадики, ҳатто маҳалласидаги дегрезлик, тунукасоллик дўконларидан чиқётган тўқмоқлар овозини ҳам эшитмайди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 *махс.* Турли механизм ва қурилмаларнинг уриладиган, зарб берадиган қисми. [Йўлдош] бугун кунни билан трассага парма тишлари, бурғу тўқмоқларини ташиб, ҳозиргина қайтиб келди. А. Мухтор, Чинор.

3 *кўчма* Зарб, калтак. Емон ўртоқ — ошга ўртоқ, бошга — тўқмоқ. Мақол. Яхшининг сўзи қаймоқ, ёмоннинг сўзи тўқмоқ. Мақол. — Оғир ботмасин-у,— деди Махбуба ота ошигага кўчиб,— гўдакка она парварини етишмаётганлиги кўришиб турибди. Қўнчилик олдида уялапман. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, бу даином онага қаттиқ таъсир қилди. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Уруш курсин, қашинишга тирноғим ҳам қолади, ҳаммасини Мекалай еди! Жабрнинг тўқмоғига тоқат йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *қ. х.* Ғалла янчадиган босқонсимон ибтидоий асбоб.

**ТЎҚМОҚЛАМОҚ** Тўқмоқ билан урмоқ. Тўқмоқлаб пай титмоқ. Тунуқани тўқмоқлаб текисламоқ. — Икки чорак буғдойни тўқмоқлаб еганим учун,— деди Сафар,— «подшоҳлик ҳақини аниқлашдан бурун ўғирлаб ебсанг» деб, мени қирқ-элик қамчи урган амлоқдор, ўз кўзим олдида буғдойинини ер билан яқсон қилдирди. Айнйй, Қуллар.

**ТЎҚМОҚЛАНМОҚ** тўқмоқламоқ *фл. мажҳ. н.* Тўқмоқланган гўшти. — Суяқларим майдалангандай, аъзойи баданним тўқмоқлангандай, оғир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ТЎҚМОҚЛАТМОҚ** тўқмоқламоқ *фл. орт. н.*

**ТЎҚМОҚЛАШМОҚ** тўқмоқламоқ *фл. бирг. н.*

**ТЎҚНАШ** Юзма-юз учрашув; тўқиниш. Тор кўчада икки машина тўқнаш келди. — Сидиқжон ўғталиб ичкарига кирди ва икки қадам босмасдан Анзират холаа тўқнаш келди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ТЎҚНАШИШ** 1 тўқнашмоқ *фл. иш оти.* Бу — оддий тўқнашиш эмас, икки ёш қалбнинг кўзлар орқали дардлашиши эди. А. Мухиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбни қиз. Бепоендек кўринган ўрмон ҳам энди хавфсиз эмасди, кутулмаганда, душман аскарларига тўқнашиши мумкин. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 *кам қўлл.* Тўқиниш, тўқнашув. Қонли тўқнашиш.

**ТЎҚНАШМОҚ** 1 Юзма-юз учрашмоқ, тўқнаш, дуч келмоқ, йўлиқмоқ. Давлатёр кўприқдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Қўзлар тўқнашди кўзлар бир-бирига тушди. Тешабой

ҳам айни назокат билан жавоб қилди, шунда икковининг кўзлари тўқнашди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Икки томондан дуч келиб бир-биринга урилмоқ, тўқинмоқ. Машиналар кўприк устида тўқнашиб шикастланди.

3 Дуч келиб жанг қилмоқ, жангга киришмоқ. Полкимиз гоҳ душман қисмлари билан ёлма-ён, гоҳ уларнинг олдиди, гоҳ орқасида юрарди. Гоҳ тўқнашиб, қаттиқ жанглар қиларди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

4 кўчма Зид келиб, зидлашиб ёки ихтилоф, низо ва ш. к. натижасида ўзаро жанжаллашмоқ, олишмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ. Арзнома нарсага тўқнашиб қолишибди.

**ТУҚНАШТИРМОҚ** тўқнашмоқ *фл. орт. н.* Рақибларни тўқнаштирмоқ. — Фотиима мулоим кулимсираган кўзларини унинг [Элмуроднинг] кўзларига тўқнаштирди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТУҚНАШУВ** 1 тўқнашмоқ *фл. иш оти.*

2 Икки томондан дуч келиб бир-бирга урилиш. Автомобиллар тўқнашуви.

3 Тўқнаш келган қисмлар, кучлар ўртасидаги жанг. Қонли тўқнашулар. — Лондон кўчаларида қороль қўшинлари билан халқ оломони ўртасида қуролли тўқнашув бошланиб кетди. «Янги тарих».

4 кўчма Ихтилоф, низо ва ш. к. натижасида юз берган олишув, кураш, жанг. Синфий тўқнашулар. | Можаро, жанжал, олишув. Шербек бу тўқнашувда тақдирини ҳал бўлишини сезган эди. Шунинг учун ҳам, ўзини ҳимоя қилишга зўр бермаса ҳам, бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб беришга ҳаракат қилди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУҚОЛ** 1 1 Шохини йўқ, шохсиз. Тўқол сизир.

2 *диал.* Қисқа, калта. Тўқол ёлли от.

**ТУҚОЛ** 2 тар. Хотин устига олинган иккинчи хотин. Бошлаб сиз мени ўз уйингизга олиб борасиз. Қани, чиндан ҳам хотинларингизнинг ўзлари овозликка чиқшини истамаетганимкин, кўраман. Айниқса, отасининг қарзи эвазига олган тўқолингиз. С. Анорбоев, Мехр.

**ТУҚОЧ** *диал.* 1 Катта бўғирсоқ. 2 Кулча нон. Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон тўйдириш, тўқоқ ёндириш билан машғул бўлди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ТУҚСАБО** тар. Урта Осиё хонликларида: олий харбий мансаблардан бири ва шу мансабга эга бўлган шахс. — Итоат қилмаганларни, — деди Абдулла тўқсабо, — уриш, ўлдиринг, бўри бўлиб қоринларини ёриш керак. Айний, Қуллар.

**ТУҚСОН** 1 снқ сон 90 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Тўқсондан ўрни айирмоқ. Тўқсон сўм пул. Тўқсон пуд бугдой. — Тўққиз сўм оламан деб, тўқсон гап эшитдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қиш-фаслнинг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 кун. Тўқсон кирди. Мевани тўқсонда сургорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади. — Кеча тўқсон чиқди; наярўз олам. Кўчат — келинларнинг тўйи бошланди. Ғ. Ғулом. — Богинча унмадинеми? — Ҳали вақт бор, тоқларни очсам, совуқ олиб қўядими, деб қўрқяпман. Тўқсоннинг изғирини ўтсин, деб турибман. Ҳ. Шамс, Душман.

3 Тўқсон (эркаклар исми). **ТУҚСОНИНЧИ** тарб сон Тартиб ўрни 90 рақами билан белгиланган, 90 номерли. Тўқсонинчи уй. Тўқсонинчи бет.

**ТУҚСОНТА** дона сон Тўқсон дона ёки нафар. Тўқсонта одам. Тўқсонта нарса. **ТУҚ-ТУҚ** 1 тўқ 1 3 с. тақр. Тўқ-тўқ кўсақлар.

**ТУҚ-ТУҚ** 2 тўқ 2 с. тақр. Тўқ-тўқ оёқ товуши. Тўқ-тўқ қилмоқ. — Кимдир тўқ-тўқ теша уриб, ишқомга ноя кесилти. С. Аҳмад, Уфқ. — Бу бош, — Хўжабеков бармоғи билан чаккасига тўқ-тўқ эптакиз урди, — бевафо дунёда нималарни кўрмади, дейсиз. С. Анорбоев, Оқсой.

**ТУҚУВ** 1 тўқимок *фл. иш оти.* 2 Тўқимачилик иши; тўқниш. Тўқув дўқони. Тўқуни ўрганмоқ. — Моки қолибларидан резинкадек чўзилиб тортилган нозик шпак толалар тўқув машиналарига уланди. Туйғун, Станоклар ёнида.

**ТУҚУВЧИ** 1 тўқимок *фл. иш оти.* 2 Тўқувчилик касбини эгаллаган киши; тўқимачи. Шойи тўқувчи аёл. — Тўқувчи хўшёр, уқувли бўлиши шарт. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. — Қандай мутахассисликка ўқийсизлар? — деб сўради Элмурод. — Тўқувчи мастерликка, — деди қиз. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТУҚУВЧИЛИК** тўқувчи 2 с. касб оти. Тўқувчиликни ўрганмоқ. Тўқувчилик дастгоҳи. — Қасбим тўқувчилик, Шокир, киб, — деди уй эгаси. А. Қодирӣ, Утган кунлар. — Аммо, — давом этди Гуландом, — бозор касодлигиданми, ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчимади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУҚЧИЛИК** Фаровон, тўқ ҳаёт, тўқинчилик, маъмурчилик. Тўқчиликда яшамок. Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар. Мақол.

**ТУҚҚИЗ** 1 снқ сон 9 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Тўққиздан учни айирмоқ. Тўққиз сўм пул. Тўққиз килограмм ёғ. — Душман кечгача тўққиз марта атака қилди ва ҳар сафар қақшатқич зарбога учрар .. эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 айн. тўққиз-тўққиз. [Хўжар Тўлаҳонга:] Отанг юртнинг бири, камини беш юз жойдан тўққиз олиб тўн кийган. Ҳамза, Паранжи сирлари. Мен баҳузур ёзилиб ўтириб, тўй эиёфатларини едим, ҳамманинг олдига «тўққиз» улашилгандан кейин қайтдим. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

◆ **Тўққиз** пул ҳеч нарсага, бир пақирга арзимади, арзимас. Соғлигинг бўлмаса, бу давлатнинг тўққиз пул. Тўққиз пулга қиммат одам. Тўққиз пулдек қилиб тушунтириб (ёки тугиб) бермоқ жуда оддий қилиб тушунтириб бермоқ. Хўшёр савдогар учун элчининг бир имоси кифоя қилди, унга гапни тўққиз пулдек қилиб тузиб беришнинг ҳоҳати йўқ эди. М. Осим, Элчилар.

**ТУҚҚИЗИНЧИ** 1 тарб сон Тартиб ўрни 9 рақами билан белгиланган, 9 номерли. Тўққизинчи уй. Тўққизинчи саҳифа. Тўққизинчи Май — Ғалаба кун.

2 Катта-кичик нарсаларнинг саккизинчидан катта, ўнинчидан кичик ўлчам номери. Тўққизинчи каллиш.

**ТУҚҚИЗЛИК** Тўққизта холи бор қарга. Таппоннинг тўққизлиги.

**ТУҚҚИЗТА** дона сон Тўққиз дона ёки нафар. Тўққизта одам. Тўққизта китоб.

**ТУҚҚИЗТЕПА** айн. себарага.

**ТУҚҚИЗ-ТУҚҚИЗ** этн. Тўй маросимларда хотинларга патнида улашिलाдиган, одатда, тўққиз хил нарсдан иборат тортиқ. Хотинларга тўққиз-тўққиз тортиди. Тўққиз-тўққиздан кейин хотинлар тарқалишиди. — Лафотат .. қўйни болаларини қақриб, аллақайси тўйдан тўққиз-тўққизданми, соққиданми олиб келган жийдамайизни бериб, яна ўқитарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ТУҒИН** Ғилдиракнинг ташқи гардиши. Арава тўғини. Тўғина темир қоқмоқ. — [Ақбаралининг] дадаси ҳўл қайрагончи қўр аралаш кулга қўйиб тўғин эгар, кегай йўнар эди. А. Мухтор, Чинор. Хошли саҳнида тўғин эгадиган кунда қаққайиб турибди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ТУҒНАЛМОҚ** тўғнамоқ *фл. мажҳ. н.* Тугмалари ўнғ томонга тўғналадиган костюм. Кўракка тўғналган ордан. — [Алиохун] бир неча минутдан сўнг туриб, кир, мой босган қатирма дўпписи ичига тўғналган иғнани олди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ТУҒНАМОҚ** Санчиб ўтказиб маҳкамлаб қўймоқ, қадамоқ. Кўракка значок тўғнамоқ. Иғнани ишпечга тўғнаб қўймоқ. Лентани сочга тўғнағич билан тўғнаб олмоқ. | Солмоқ, тақмоқ. Қўйлак тугмаларини тўғнамоқ.

**ТУҒНАТМОҚ** тўғнамоқ *фл. орт. н.*

**ТУҒНОҒИЧ** Тўғнаш, қадаш, маҳкамлаш учун ишлатиладиган мослама (мас., бир учи тўғтоқ игна, ўткир учи уячасига тушиб маҳкамланадиган асбоб, сочга қадаладиган тутқич). Дўппини тўғноғич билан тиззага тўғнаб тикмоқ. Лентани сочга тўғноғич билан тўғнаб қўймоқ. Сочни тўғноғич билан маҳкамламоқ. — Мен кийинар эканман, шошар, қўлларим қаттирарди. Шу пайт тугмача узлиб кетди, уни қадаб олишга вақт зик, тўғноғич қадай десам, у ера тушиб кетди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. | Тўғнаш вазифасини ҳам ўтай оладиган, одатда

кўкракка ёки ёқага тақиладиган зийнат буюми. *Олтин тўғноғич.*

**ТЎҒОН 1** Сувни тўсиш, бўғиш учун хизмат қиладиган қурилма ёки иншоот. *Тупроқ тўғон. Бош тўғон. Тўғон боши. Тўғон қурмоқ (солмоқ).* — Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб ҳалигача тўзатилмаган канал тўғонини тўзаттиришга бир ҳафтадан бери овора эди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. Днепрдай азим дарё олдида бу нима деган гап, қаҳратон қишда, ўқ ёмғири остида сув кечганлар наҳотки шу кичик сойга тўғон сололмаса? С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кам қўлл. Тўсиқ, ғов, тўғоноқ. *Тўғон бўлмоқ. Тўғри таёқ* — балога тўғон. Мақол. — Бизлар энди илгариги сен айтганга бўл. — Чўп ҳасдан ҳадик олиб қолатурсан Батрак эмас, бўлмайсан бизга тўғон. Ғ. Ғулом.

3 Тўғон (эркаклар исми).

**ТЎҒОНЛАМОҚ** Тўғон қуриб, солиб тўсмоқ, бўғмоқ. *Дарёни тўғонламоқ.* **ТЎҒОНОҚ 1** Аравача ортилган юкни маҳкамловчи арқоннинг учига боғланадиган катта ёроч илгак. Бу ўтин-кашларнинг баъзиларида бирор .. эшак бўлса ҳам, кўпчиликларида учига тўғоноқ боғланган бир арқон ва бир ўрқодан бошқа асбоблари йўқ эди. Айний, Қуллар.

2 кўчма Бирор ишга, ҳаракатга тўсиқ, ғов бўлиб, тўсиқлик қилиб турган кимса, нарса. *Тўғоноқ бўлмоқ. Тўғоноқ солмоқ.* — Мен ақушерка бўлиб бордим-у, лекин, бу ишни бажаришга руҳонийлар тўғоноқ бўлишди. М. Алавия, Севинчларим. — Узингни ҳам бригадирликка кўтарган Қодиров эди-ку! Энди сен миннатдор бўлиши ўрнига.. оёғимга тўғоноқ солмоқдасан, — деди Қодиров. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТЎҒРАЛМОҚ** тўғрамоқ фл. мажх. н. Тўғралган сабзи. Тўғралган нон. — Нонни тўғранг, — деди уста, — нон тўғралган ишўрадан ширин овқат бўлмаса керак. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Пешанамни силагансан, Қўймайман ўтга солса, Қилич солса тўғралмайман, Улмайман ўқ қадалса. Х. Олимжон.

**ТЎҒРАМА** Тўғралган, ушатилаган нарсанинг ҳар бўлаги. *Бир тўғрам гўшт.* — Муқимий икки пиёла қанд чой билан икки тўғрам бўлка нондан еб, андак жонланди. С. Абдулла, Қувғинда. Алижон .. кабоб сихидан бир тўғрам серсел қайноқ гўштини оғзига солди. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**ТЎҒРАМА** Тўғралган, тўғрамча. *Тўғрама гўшт.* || Қозоқлар менинг олдимга тўғрама келтиришди. О. Хусанов, Чўлда. **Тўғрама палов** гўштни тўғраб солиб пиширилган палов.

**ТЎҒРАМОҚ** Кесиб, синдириб майдаламоқ, ушатмоқ. *Қарам тўғрамоқ. Сабзи тўғрамоқ. Гўшт тўғрамоқ. Норин тўғрамоқ. Шўравага нон тўғрамоқ.* — Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғраб эди. Ш. Рашидов,

Қудратли тўлқин. Олим полвон лаганга тўғраб, тайёрлаб қўйилган қазини кафтида кўтарганча, яна Зўдилланинг ёнига лананглаб келди. Х. Ғулом, Машғал.— Қани, нонга қарранг, мулла, — деди Олахўжа, патнидаги нонни тўғраб. П. Турсун, Уқитувчи.

**ТЎҒРАМЧА** Тўғралган, тўғрама. *Тўғрамча гўшт.* — Умарали бир парча сур гўштни тўғрамча қилиб; масалликнинг устига қўйди-да, ошхонага қараб кетди. Ойбек, Улуғ йўл. **Тўғрамча палов** айн. тўғрама палов қ. **Тўғрама.**

**ТЎҒРАТИЛМОҚ** тўғратмоқ фл. мажх. н. Катта ошга сабзи йирикроқ тўғратилади.

**ТЎҒРАТМОҚ** тўғрамоқ фл. орт. н. Қарамни майдалаб тўғратмоқ. Сабзи тўғратмоқ. Норин тўғратмоқ.

**ТЎҒРАШМОҚ** тўғрамоқ фл. бирг. н.

**ТЎҒРИ 1** Эгри эмас, қинғир ери йўқ; тик, адил. *Тўғри чизақ. Тўғри сим. Тўғри ёғоч.* — [Кулушнинг] тўғри.. қоматида ердан бичиб олинган мудҳиш хотиннинг қўллари зўғра етди-да, «ёсонмисиз, омонмисиз, पोшиша қиз» деб сўрашди. А. Қодирий, Утган кунлар. Эҳтиёт юзасидан [Йўлчи] тўғри йўлни қўйиб айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига [Гулнорни] бошлаб келди. Ойбек, Қутлуғ қон. || Шимолдан Жанубга тўғри чўзилган бу кенг кўчанинг ўртасига тош ётқизилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мир-закаримбойнинг ери охирида, баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор териклар жимгина титрайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Хатодан холи, янглиши, нотўғри ери йўқ; бехато. *Тўғри жавоб. Тўғри фикр. Тўғри маслаҳат. Масалани ечининг тўғри йўли. Аслига тўғри нусха. Билмаздан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши.* Мақол. — Бир нарасага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас, Абдишукр, — салмоқлаб деди Мирзакаримбой. Ойбек, Қутлуғ қон. || Бундай жойларда ҳамма вақт ҳам кўз билан тўғри чамалаб бўлмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | кўчма Ҳақиқатдан иборат; чин, рост, ҳақ. *Тўғри ҳукм. Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар.* Мақол. *Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор.* Мақол. || Бошинга қилич келса ҳам, тўғри сўзла! Мақол. — Гапингиз тўғри, ўғлим. Бу жаҳонда Лениндай улуғ зот бўлган эмас. П. Турсун, Уқитувчи. *Тўғри гапим туққанамга ёқмайди деганлари бежиз эмас экан-да.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал. Ленин йўли йўл экан, Бу йўл тўла нур экан. Эркин, қувноқ яшишга, Энг тўғри йўл шул экан. «Қўшиқлар». | Белгили талаб, қонда ва ш. к.га жавоб берадиган; қоидали. *Винтовкани тўғри ушлаш.* || Эгри кўнадан юрсанг ҳам тўғри юр. Мақол. — Мен тўғри ўқий олмасам, тунов кундизидек куласиз. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Қувлик-шумлик, қинғирлик ва ш. к.ни билмайдиган; ҳалол, виждонли, инсофли. *Тўғри одам. Тўғри киши*

тили эгрідан ор қилади. Мақол. Дили тўғрининг — тили тўғри. Мақол. || Эгри озар, тўғри ўзар. Мақол. — Суриштирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз. Тўғри одам бой бўлмайди, шекилли, ман ўзим шу фикрдаман. Ойбек, Қутлуғ қон. | Хиёнат, фахш йўлига юрмайдиган, ахлоқли. *Тўғри хотин. Бизнинг кўзимизга совуқ кўринган қипчоқвачча Нормухаммаднинг эл учун қилиб турган тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошкент беклари орасида биринчи мартаба кўраман.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Огайни, бизга тўғри тошингизни қўйсангиз бўлар эди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

4 Тўғридан-тўғри амалга ошириладиган, бўладиган; бевосита, воситасиз. *Тўғри сайлолар. Тўғри солиқлар.*

5 мат. Тўқсон даражага тенг (бурчак ҳақида). | Тўқсон даража бурчакли (геометрик шакллар, жисмлар ҳақида).

6 кири с. Дуруст, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат. *Тўғри, жон ширин, ҳар ким ўз жонини аяйди, лекин одамнинг юрагида бошқаларга меҳр бўлиши керак.* Ойбек, Қутлуғ қон.

7 рви Тўғридан-тўғри, тўппа-тўғри, тик, тикка. *Меҳмонлар тўғри бизникига тушди.* — Насияга бўлса ҳам гўштининг лаҳим жойларидан еган яхши бўлар экан-у, кейин ҳақини тўлашни билмай саранг бўлиб, кўнадан тўғри ўтломай юрган ёмон экан. П. Турсун, Уқитувчи. | Алай-балай деб, ўйлаб, иккиланиб ўтирмасдан; тўппа-тўғри. — Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди қўяди, — деди ва қойил қилганига ишониб, ҳаммадан баландроқ қаҳқаҳа урди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

8 Кўшма феъллар таркибига киради. **Тўғри бўлмоқ 1)** тўғри шаклга, ҳолга келмоқ, тўғриланмоқ. *Йўл тўғри бўлди;* 2) ҳақиқат, чин, рост бўлмоқ. *Тўғри бўлса бу гаплар, Турмай қанот қоқайин. Бутун вужудим билан Бир сел каби оқайин!* Ғайратий; 3) ҳақ бўлмоқ, ҳаққоний, адолатли бўлмоқ. *Бу тўғрида раисимизни танқид қилиш бир томондан тўғри бўлса, иккинчи томондан тўғри эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 4) инсофли, виждонли бўлмоқ, ҳалол бўлмоқ. *Тўғри бўлсанг ўсиб бориб, гул бўласан, эгри бўлсанг ўсиб бориб, кул бўласан.* Мақол. — Сен тўғри бўлганинда, бу таъналар нима эди менга! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 5) рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ. *Бир маҳал Соли совуқ, икки букилиб, мингбошига тўғри бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тўғри қилмоқ 1)** тўғри шаклга, ҳолга келтирмоқ, тўғриламоқ. *Дарё ўзанини тўғри қилди;* 2) тўғри иш қилмоқ. *Уқингиз кириб тўғри қилдинг;* 3) рўпара қилмоқ, тўғриламоқ. *Чатоқ ишларни менга тўғри қилаверинг.* — Ҳали ҳам сиз қуруқ қолмайсиз, умидим борки, сизни Вобкент қозилишига тўғри қилсам. Айний, Қуллар. **Тўғри келмоқ 1)** мувофиқ, мос келмоқ. *Бу гап ҳақиқатга тўғ-*

ғри келмайди. Ақлга тўғри келмайдиган иш. Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди. Мақол. — Қабул бўлмаган дуо учун мени уноҳгор санайсизларми? Бу дуруст эмас, бу шариатга тўғри келмайди. Айний, Куллар; 2) лойиқ, монанд келмоқ. Пальто бир номер катта, менга тўғри келмайди. Этик оғимга тўғри келди; 3) амалга ошмоқ, бўлмоқ. Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаёттибди. А. Қаҳҳор, Айб кимда; 4) баравар, тенг келмоқ, бас келмоқ, бараварлашмоқ, тенглашмоқ. — Уғлим, — деб қичқирди кулиб دادаси, — кимники олди? — Тоҳир гунакнинг жийрони. От бодаси унга тўғри келмас экан. Ойбек, Қутлуғ қон; 5) дуч келмоқ, тўқнаш келмоқ, учрашмоқ. Тўғри келган киши билан саломлашмоқ. — Икки томондан тешишга-ку тешамиз, тўғри келмай қолса нима бўлади? М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 6) бир вақтда юз бермоқ, бўлмоқ, қарама-қарши келмоқ. Иккала тўй бир кунга тўғри келиб қолибди. — Иш қилиб Абдулла почтамнинг зифатига тўғри келсин. Ойбек, Қутлуғ қон; 7) бирор иш қилишга мажбур бўлмоқ. [Отабек] саройдан анча узоқлашган эди, қаришдан.. келувчи Раҳматни кўрди ва чор-ночор сўрашмоққа тўғри келди. А. Қодирий, Утган кунлар.

9 3-ш. эгаллик ва ў. п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. тўғрида).

**ТЎҒРИДА** 1 Сўзловчининг ёки сўзловчи кўзда тутган жойнинг қаршисида; қаршида, рўпарада. Икки чеккада қатор дарахт, тўғрида катта бино.

2 (б. к. билан) кўм. вазифасида Устид, хақда, хусусда. Бу тўғрида сиз нима дейсиз. Гап шу тўғрида борар эди. — Вой.. сунага чиқиб Салимбойвачча узатган ёстиққа бемалоқ ёнбошлаб, қизи билан ҳар тўғрида гаплашмоққа уринди. Ойбек, Қутлуғ қон. Нима ва қайси тўғриларда сўзлайдилар, Отабек қилчоқларга қарши сўзламадимми? А. Қодирий, Утган кунлар. Йўқ, йўқ, Иван Никитин, гапни чалғитма, гап фақат сенинг тўғринида бораёттир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ** рәш 1 Тўппа-тўғри, бевосита. Тўғридан-тўғри юқорига мурожаат қилмоқ. — Халқ судьялари район (шаҳар) граждандари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида.. сайланади. «УзССР Конституцияси».

2 Гапни узоқдан олиб келмасдан, тафсилотларга берилиб ўтирмасдан, узоқ даромадсиз; тўппа-тўғри. Тўғридан-тўғри асосий масалага ўтмоқ. — У [Бўтабой], Сидиқжоннинг назарида, сўзни чўзмаслик ва тезроқ правденценнинг қарорини тасоифлаши масаласига ўттиш учун гапни ўртасидан бошлади: ҳатто одатдаги «ўртоқлар» ҳам демасдан, тўғридан-тўғри.. прав-

ление тузган планни батафсил сўзлаб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТЎҒРИЛАГИЧ** Узгарувчан электр токини узгармас токка айлантирувчи асбоб, қурилма. Символи тўғрилагич.

**ТЎҒРИЛАМОҚ** 1 Тўғри шаклга ёки ҳолга келтирмоқ, тўғри, адил, тик қилмоқ. Симни тўғриламоқ. Дарё ўзанини тўғриламоқ. Эгилган ўқни тўғриламоқ. Эгри битганни эл тўғрилайди. Мақол. — Дардингизга даво менада! — у қаддини тўғрилаб .. яна жилмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Хато, нуқсон ва ш. к.ни йўқотмоқ, тузатмоқ. Имло хатоларини тўғриламоқ. Стилистик камчиликларини тўғриламоқ. Талаффузини тўғриламоқ. — Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзламоққа мажбур бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бузилган ерини тузатмоқ, тўғри ишлайдиган, юрадиган қилмоқ. Соатни тўғриламоқ.

3 Тегишли вазиятга келтирмоқ, тартибга солимоқ, тузатмоқ. Ёқангни тўғрилаб ол. Кавчини тўғрилаб қўй. — Анвар .. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзған сочларини тўғрилаб ҳаётбахш кокиларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 Бирор томонга қаратмоқ, йўналтирмоқ. Проекторларни самолётга тўғриламоқ. — Чол у ёқ-бу ёқ суриб .. ўртадаги ходани хаёл қилинган ил йўлига тўғрилаб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гулнор умримга эзов бўлди. Яна у Мирзақаримбой хонадонига бошиқ бўлиб кеккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғриласин. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тўғрисига, рўпарасига келтирмоқ; рўпара, бақамти қилмоқ. У хаёл сураркан, кимнингдир қўли елкасига қўйилганини сезиб, дарҳол орқасига бурилди ва юзини-юзига тўғрилаб турган Лолани кўрди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Мос туширмоқ, мос келтирмоқ. Биров ёшга тегади, биров.. бошқага. Худо юлдузини ўшанга тўғрилаган экан, чорамиз йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Етишмовчилигини йўқотмоқ, тўлдирмоқ, расо, бут, шай қилмоқ, ростламоқ, унгламоқ. Рўзорни тўғриламоқ. — Қурбон ота елиб-югурди, сал кунда, қиши ва ёзи қизил чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Биз-ку шу хабарни кутиб турган эдик. Шундай бўлгандан кейин, нон-понингни тўғрилаб тўрмайсанми? А. Қодирий, Мехробдан чаён.

6 с. т. Эпини, иложини қилиб битирмоқ, юзага келтирмоқ, муҳайё қилмоқ; эпланштирмоқ. Мушкул ишни тўғриламоқ. Бу ҳақда ташвиш қилманг, ўзимиз тўғрилаймиз. — Ҳозир секретарнинг олдида тушгани, у ҳаммасини тўғрилаб беради. Ойдин, Уялди шеклли, ерга қаради. | Бирор қоида, талаб ва ш. к.га жавоб берадиган ҳолга

келтирмоқ. [Майсара Нодирага:] Мен унга шариат томонларини тўғрилаганмоқ учун қозини қийнаб, ағламларнинг гувоҳлиги билан уч талоқ қўйдирганини ўргатдим. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ТЎҒРИЛАНМОҚ** тўғриламоқ фл. ўзла ва мажх. н. Йўл тўғриланди. Иш тўғриланди. — Атрофдан милтиқларнинг оғзи полвонга тўғриланди. А. Қаҳҳор, Қўр кўзини очилишти. Гуломжон секин бошини кўтарди. Ҳаёт ҳам тўғриланиб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Энди хаёлларни қўй, сўзла, Баланд эрур ёрининг кули. Тўғриланган зафар чоғига Москвадаги соатнинг мили! Т. Тўла.

**ТЎҒРИЛАТМОҚ** тўғриламоқ фл. орт. н.

**ТЎҒРИЛАШМОҚ** тўғриламоқ фл. бирг. н.

**ТЎҒРИЛИК** тўғри 1—3 с. белги оти. Йўлнинг тўғрилиши. Фикрнинг тўғрилиши. Тўғриликка ўлим йўқ. Мақол. — Низомжон .. соддалигидан دادасига чап беролмасди. С. Аҳмад, Уфқ. Деворий соат бирга занг урди. Урмонжон, бу соатнинг тўғрилгисига шубҳаланди шекилли, ўз соатига қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ТЎҒРИЛИКЧА** рәш 1 Очиқ, ошкор. Элмурод.. тўғриликча тўйиб овқат ейишга ҳам ҳақсиз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Беғараз, очиқ кўнгиллик билан, яхшиликча. Мен ундан тўғриликча сўзраган эдим, зероликка олди. Уларнинг ундай-бундай сўзлари бўлмаган, тўғриликча келиб кетган эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЎҒРИСИ** 1 Иш, гап, нарс, одам ва ш. к.нинг тўғри деб ҳисоблангани. Ишнинг тўғриси шу. Одамнинг тўғриси экансиз. Туянинг бувраси яхши, сўзининг тўғриси яхши. Мақол. — Қани, хўш, тўғриси қанақа бўлар экан? П. Турсун, Уқитувчи.

2 кириш с. Гапнинг очиги; очигипи айтганда, сўзнинг рости. Тўғриси, мен сизни ҳозирга унча яхши билмайман. — У севиб, сеvimли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди. Энди у шу кунгача ҳеч кимни севолмаганидан, тўғриси, севмаганидан ажабланирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Тўғрисини айтсам (ёки айтганда) айн. тўғриси 2. Тўғриси-ни айтганда, хато ўзингиздан ўтган. — Мен тўғрисини айтсам, бу гапларнинг ҳаммасига сиз сабаб бўламоқдасиз, эр! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ТЎҒРИСИДА** 1 Қаринсида, рўпарасида. Ичкарида, дарвозанинг тўғрисида узун кетган олди очиқ бостирма. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўм. (б. к. билан) Устид, хақда, хусусда. Гап пахта тўғрисида борарди. Мехнат тўғрисида чиқарилган қонун.

3 кўм. (б. к. билан) Хусусдан, жиҳатдан. Молхона ҳам ем-хашак тўғрисида қийинчилик чиққани учун умумлаштирилган ҳайвонларни вақтинча



эгаларига топириб қўйиш маслаҳат топилди. Айний, Қуллар.

**ТЎҒРИСИДАГИ** 1 Қаршидаги, рў-парасидаги. *Бог қаршисидаги уй.* — Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ *тиграб-тиграб ун гарди ўтирган* кичкина ишшасидан хира, кучсиз нур сочиб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Устидаги, ҳақидаги, хусусидаги. Эшоннинг «жилое» тўғрисидаги фикри Элмуроднинг газабини келтирди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Қоратойнинг юрагидаги газаб тўлқини, Йўлчи ва қиз тақдири тўғрисидаги тавиши иш-лаша имкон бермади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ТЎҒРИСИДАН** 1 Қаршисидан, рў-парасидан. Утинкашларнинг .. бошлари тўғрисида отилган бир яшин уларни жуда ҳам қўрқитди. Айний, Қуллар.

2 қўм., с. т. (б. к. билан) Жихатидан, хусусидан. Пул тўғрисида бир оз қийналиб турибмиз.

У

У I Ўзбек алфавитининг йигирма биринчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

У II (ж. к. унга, ў. п. к. унда, ч. к. ундан) I ки. олми 3-ш. бирл. Кимса ёки нарса номи ўрнида ишлатиладиган сўз. У мendan бир ёш катта. Ундан ёшлар ўрнат олишади. — У кетгандан кейин, Сидиқжон шу ернинг ўзида чўкка тушди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мана бошқарма бўлимида уни [Искандаровни] роса қизартиришди. С. Аҳмад, Бош оғриғи. — Сизлар топган эрга тегмайман, ундан кўра ўлим яхши менга, — қатъий жавоб берди Гулнор. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўрс. олми. Сўзловчидан наридаги ёки узоқдаги кимса, нарсани кўрсатиш учун қўлланади. Бу китобни эмас, у китобни беринг. У йигитни танийсанми? Дарёнинг у ёғи. — У ерда нима кўп — наст-баландлик. Шухрат, Олтин занглас. | Бир қанча ёки бир-биринга қарама-қарши жойлашган ёки таққосланаётган нарсалардан бирини кўрсатиш учун «нариги», «наригиси» маъносига қўлланади. Кўчанинг у бетидан бу бетига ўтмоқ. Урмоннинг у томонида кўл бор. Бу яхшими, у яхшими? Бу бошқа, у бошқа. — Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар. | Вақт билдирувчи сўзлар олдида келиб, нисбатан аввалги, илгариги конкрет воқеликка ишора қилиш учун қўлланади; ўша. У қорли, совиқ кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг ёғзал кунни эди. Ойбек, Қутлуг қон. У дунё диний қарашларга кўра ўлимдан кейинги «ҳаёт», руҳлар яшайдиган жой. Тақдирга шуқур қил, номусли камбағал бўл. У дунёда фойдасини биласан. Ойбек, Қутлуг қон. У дунё-ю бу дунё қ.

дунё 8. Бошини (ёки ўзини) у ёққа урмоқ, бу ёққа урмоқ ўзини минг алфозга солмоқ, астойдил уринмоқ. [Мирзакаримбой:] Бошни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, ахир бир эвини тондим, жиян. Ойбек, Қутлуг қон. У ёқда турсин қ. турмоқ. Очилиш у ёқда турсин, очик хотинларнинг юзини ҳам кўрмайман, деб онт ичанман. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

◆ **Ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилмоқ** масалани ҳал қилмоқ, ишни бир ёқлик қилмоқ, ажрим қилмоқ. У деди, бу деди ёки у қилди, бу қилди турли тадбирларни қўллаб кўрди. У қилди, бу қилди, дафтартчаларни йиғиштириб олди ва келган пулни киши билмас ўмараверди. «Муштум», 1967, № 7. У ёқда қолиб ёддан кўтарилиб, эсдан чиқиб, унутилиб. Канизак .. кўзи жикқа ёшига тўлди-ю, узр у ёқда қолиб, ҳасратга тушиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У ёғини суриштирсанг анигини билмоқчи бўлсанг, очигини айтганда, аслида. У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг. Ойбек, Қутлуг қон. Уни қўй, бунни қўй с. т. бошқа гапларни қўятур, асосий масалага жавоб бер. Уни қўй, бунни қўй, қачон бизникига келасан?

◆ **У (унли товушлардан кейин -ю)** 1 боғл. Тенг ҳуқуқли икки сўз ёки гап бўлагини ўзаро боғлаб, «ва» маъносига қўлланади. Еру кўк. Етиш қари. Кечая кундуз. Тўқсон бешу ўндан уч процент.

— Қир-адирда ўтлар менинг кўю кўзим. Ислон шоир.

2 биркт. юкл. Феълларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тезликни англатади. Лип этиб бир кўриндию гойиб бўлди. Келдию кетди.

**УБОРШИЦА** [р уборщица] Бино ичида озодлик ва саранжомликни сақлаш, супуриш-сидириш ишлари билан шуғулланувчи ишчи аёл. Малоҳатхон.. эрининг қаршилигига қармай, район советига уборшица бўлиб кирган экан. А. Қаҳҳор, Жоңфягон.

**У-БУ** ноаниқ олми I Ҳар хил, турли нарсалар. Тахта ва гитлар устига у-бу ёндилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Топган-тутганига у-бу олиб йи-нашларига беради. И. Акрам, Адолат.

2 Аниқ мавзун бўлмаган, шунчалик айтиладиган гаплар, сўзлар. Сидиқжон .. болага қараб у-бу деб турган бўлса ҳам, кўзи ва бутун диққати Шарофатда эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Унга-бунга** с. т. дуч келган одамга, ҳар кимга. Унга-бунга ҳасрат қилверма. — [Қовоқ девона] келиб яна бир коса чойни ичди ва унга-бунга қовоғи тўғрисида илтимос қилиб қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ундан-бундан с. т. 1) дуч келган кишидан, ҳар кимдан. Ундан-бундан суриштирмоқ; 2) турли нарсадан, ҳар нарсадан. Ундан-бундан еб ўтиринг; 3) ҳар тўғрида. Ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. — Ермат Йўлчи билан ёнма-ён юриб, эски таниш каби ундан-бундан сўзлашиб борди. Ойбек, Қутлуг қон.

**УВ** тақл. с. Ит, бўри каби ҳайвонларнинг чўзиқ овоз чиқариши, улиши ҳақида. Ув .. деб келар бўри овози. С. Жўра. | Ит, бўри ва ш. к.нинг увлаганига ўхшаш овоз. Тўсидан даҳшатли ув билан гирдибод куюн уларни ўради. Ойбек, О. в. шабадалар. **Ув солмоқ** (ёки **тортмоқ**) 1) чўзиқ овоз билан увилмамоқ, улимоқ (бўри, ит ва ш. к. ҳақида). Овул тинч, гоҳо узоқда Аллонбий қўраси томонда бўри ув тортарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 2) ит, бўри ва ш. к.нинг увланишига ўхшаш овоз ҳосил қилмоқ. Гоҳ қутуриб ув солар бўрон. 3. Обидов; 3) йиғлаганда чўзиқ овоз чиқармоқ, ўкирмоқ. Ҳадича буви ҳам ув тортиб аюглади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**УВА** Тор ёнбағирларидаги чети қиялаб кўтарилган чуқурлик, наст текислик; водий. Гўё табиат қирлар, адирлар ва увалары ям-яшил ёйлам қўйгандай. А. Отаметов, Бири бирига шогирд. Қаршидаги улғувор тоғлар, уваларни томоша қилиб, .. аравада лиқиллаб ланж бораман. Ойбек, Болалик. Чирчиқ увасига қўнган шаҳарда Кўйиш .. олтин жомакорин счар кечқурун. Шайх-зода.

**УВАДА** I Эски, ифлос пахта. Мен совуқдан сақланмиш учун увадаси оқиб ётган кўрпа-тўшакларга ўралиб олар эдим. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Қайга борманг, қишлоқ хароба, деҳқон тўнининг увадаси чиққан. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Эскириб, ситилиб, йиртилиб дабдала бўлган кийим-кечак; латта-путта, эски-туски. Чувериндиларга ўраган Лаъли увадага ўраган гўдагини қучоқлаб, .. пўстак устида ўтирарди. Ҳ. Фулом, Машғал. Кундуз кунни увадамни кўтариб юришга уяланимдан шанба кунни қоронгилатиб, «Беклар беги» мадрасасига кўчиб келдим. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. || Шундай аёллар бўлдики, улар увада кийимли содда чўпонни шаҳзодаларга алишмайдилар. Ойбек, Навоий. | Увадага ўхшаш, парча-пурча. Ранги ўчган осмонга увада булутлар қувишиб чиқа бошлади. Ҳ. Ҳошимов, Чўл хавоси.

3 кўйма Жулдур кийимли; ниҳоят камбағал; қашшоқ. Бу ерда халта-халта кўтарган косиблар, эркак-хотин: ҳар хил увада қашшоқ лиқ-лиқ. Ойбек, Қутлуг қон.

**УВАДАЛАНМОҚ** Эскириб, титилиб, парча-пурча бўлиб кетмоқ. Қоратой икки томондан очик бўғотлари увадаланган .. ишхонада .. темир парчасини болга билан гурс-гурс урар, яссилар, чўзар, қайирар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**УВАДАЧИ** айн. эскифуруш. **УВАДА-ЧУВАДА** Эски, йиртиқ, титилиб, парча-пурча бўлиб кетган нарсалар. Увада-чувадаларни ёқиб юбормоқ. || Увада-чувада нарсалар.

**УВАЛАМОҚ** I Майда қисмларга бўлмоқ, майдаламоқ, ушатмоқ. Қесакни



уваламоқ. Нонни уваламоқ. — Кум-кесакдан кўп беамдор қирғоқни [пўртана] ўпирарди, уваларди. Ғ. Ғулом.

2 Бошоқ, сўлта ва ш. к.даги донларни уқалаб ажратиб олмоқ. Жўхорини уваламоқ. Анорни уваламоқ.

**УВАЛАНМОҚ** уваламоқ фл. мажх. ва ўзл. н. Бир қоп жўхори уваланди.

**УВАЛАНУВЧАН** Майда бўлақларга бўлиниб кетадиган, тез уваланадиган; мўрт. Уваланувчан гишт.

**УВАЛАТМОҚ** уваламоқ фл. орт. н. Жўхори увалатмоқ. — Уватларни увалатиб, .. Большевикнинг коллектив Учинчи қўши чиқди. Ғ. Ғулом.

**УВАЛАШМОҚ** уваламоқ фл. бирг. н. **УВАЛИ-ЖУВАЛИ** Кўп фарзандли, неварачеварали. Икки ёшнинг муҳаббатли, ували-жували бўлишларига дуо қилишга, совчиларга заррин тўнлар кийдирилди. А. Қодирий, Утган кунлар. Буви .. уй соҳиби Утапнинг серфарзанд, ували-жували бўлишига истак билдирди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**УВАЛЛО** рвш, с. т. Астойдил уриниб, зўр бериб; астойдил, роса. Шошиб қолганидан, увалло уринишига қарамай, пальтосининг енеини тополмасди. С. Абдуқаҳор, Қўзлар.

**УВАЛМОҚ** Майда бўлақчаларга бўлинмоқ; ушалиб кетмоқ, уваланмоқ. Бўр увалиб кетди.

**УВАТ** қ. х. Дала ёки экин майдони ичидан, қирғоқларида қолдирилган бўш ер, тор йўл; марза. Бороналашни бошлашдан илгари уватлар текисланади. О. Тиловердиев, Парвоз. Уватлар, марзалар йўқотилди. Шу ҳисобга тўла гектарлар бўлишига эришилди. А. Эргашев, Оксалиш йўлидан. Зовурнинг нариги томонида бир тўда қолқочлар уват бузиб ер текисламоқдалар. С. Маҳкамов, Гулистон.

**УВАТИЛМОҚ** уватмоқ фл. мажх. н.

**УВАТИШМОҚ** уватмоқ фл. бирг. н.

**УВАТМОҚ** айн. уваламоқ.

**УВВОС** Уқириб йиғлаш; баланд овозли йиғи. Кунни билан Осим аканинг ҳовлисидан қий-чув, уввос кўтарилиб турди. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида. Уввос солмоқ (ёки тортмоқ) ўқириб йиғламоқ. Бечора она чидолади, қабрни кучоқлаб уввос тортди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**УВЕРТЮРА** [р<фр] муз. 1 Опера, балет, кинофильм ва ш. к.нинг музикали муқаддимаси. Кўп ўнмай фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Богчасарай фонтани»нинг увертюраси бошланди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Симфоник оркестр опера бошланиши олдидан чалинаётган увертюрани .. ижро этади. Ҳ. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.

2 Оркестр ижро этадиган концертга оид соната формасидаги асар. Глинканинг испанча увертюраси. Концерт увертюраси.

**УВИЛЛАМОҚ** 1 Босиқ, чўзиқ овоз чиқармоқ; ув тортмоқ. Бўри увиллади. Ит увиллади. — Аллақандай бир тўда

ит тўлқинга қарши увилламоқда. Ғ. Ғулом. Шамол соҳ оч бўридай увиллар .. эди. А. Қаҳҳор, Дахшат. [Аҳмад-жон:] Устимиздан увиллаб ўтган снрядлар дам олдимизда, дам орқамизда портларди. А. Мухтор, Давр мейнинг тақдиримда.

2 Ув тортиб йиғламоқ, ўқирмоқ. **УВИЛЛАШМОҚ** увилламоқ фл. бирг. н.

**УВЛАМОҚ** айн. увилламоқ. Увлаб йиғламоқ. — Увлаб қолди бир тўда оч, малъун бўриллар. Ғайратий. Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқиқдай увлаб йиғлашлар тинди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Хайқирса, увласа, ҳар тонгда бир дон бор, бонг урса довулар. Ғ. Ғулом.

**УВЛАШМОҚ** увламоқ фл. бирг. н. Бўриллар увлашди.

**УВОЛ** [а увор] 1 Айб, гуноҳ. Ёшигина эмидиган чақалоғи бўлмаганда ҳам майли эди, унга қўл тегизмоқ увол! И. Акрам, Адолат. Битта трактор фалон пул туради .. Ҳа деб қисмини ўзгартиравериш — увол. Ҳ. Назир, Маёқ сари. — Бўйининг чўзилмагур, — дейди кампир, — нонни отдинга, увол. Ойбек, Болалик. Уволи тугмоқ ёки уволлига қолмоқ ножўя иш ёки ҳаракатнинг айбдори бўлмоқ; зомин бўлмоқ; жазосини тортмоқ. Уққишнинг жувонмага қилсақ, уволса қоламиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фойдасиз ёки бевақт йўқ бўлиш, йўқолиш; нест-нобуд. Гилосдай бир лабдан бўса олгунча, Баъзан бир йигитлик кетади увол. Ғ. Ғулом. Хоҳишларинг бўлмасин увол! Ҳ. Олимжон.

3 Кўча Бировга озор бермайдиган, эиён етказмайдиган; ювош, заиф. [Акрам:] Не, ҳали сўздан оқ, мусичадек уволман дена? О. Ёқубов, Айтсан тилим куяди, айтмасан — дилим. || Боя чумолидек увол кўринган қиздек йигит энди кийикдек ел қувиб учиб борарди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

4 Оғир, қийин, аянчли. Жўжабирдек жон, болаларига увол бўлди. Н. Сафаров, Уйғониш. || Оёқ-қўли бутун бўла туриб, чумчуқдан баттар увол яшайдиган одамлар ҳам бор. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**УВОҚ** 1 Уватилган нарсанинг кичик бир бўлағи; кичик бўлақ; ушоқ. Зокир .. бостон пиджасининг енгига ёпишган нон увоғини чертиб ташлади. П. Қодиров, Уч илдиэ. Шокир ака қўлидаги чимни эзиб кўрсатар экан, увоқлари шувуллаб ерга тўкилди. Туйғун, Йўлдош акани эслаб.

2 Кўчма Жуссаси кичик, майда. [Шербек:] Қорамол билан увоқ молга бу ерда тўплайдиган ем-хашагимиз беамал! С. Анорбоев, Оксой. Бундай мураккаб машинани мендек увоққина бир қиз бошқаришини қайқдан билар эди улар. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. У Дилбархон тасаввур қилганидек йўғон барваста эмас, балки 55 ёшлардаги увоққина одам эди. Х. Тўхтабоев, Садоқат.

**УВОҚЛАМОҚ** айн. уваламоқ 1. Жувон ноғни увоқлаб, қанд билан латтига тушиб, сувга чайқайдан сўнға, гўдак оғзиға тутуди. С. Азимов, Оппоқ тоғ қўшиғи.

**УВОҚЛАНМОҚ** увоқламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Сағир-кабирларга ажратилса, тоғ ҳам увоқланади. Ойбек, Қутлуғ қоп.

**УВОҚЛАТМОҚ** увоқламоқ фл. орт. н.

**УВОҚЛАШМОҚ** увоқламоқ фл. бирг. н.

**УВРА** айн. угра.

**УВУЛДИРИҚ** Балиқ тухумчалари, уруғи; икра.

**УВУН-ТЎДА** 1 Эски, чирик, йиртиқ парсалар; эски-тускилар. Увун-тўдаларнинг орасида, хонақонинг бир бурчаида тонг оттирдим. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Бетартиб, пала-партиш; йиғиштирилмаган. Увун-тўда ҳовли. — Уйнинг ёшиги ланг очик эди. Нарсалар увун-тўда бўлиб ётибди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**УВУШМОҚ** 1 Баданда қоннинг юришмай қолиши натижасида қарахт бўлиб қолиб, қимирлатганда игна санчилгандай жимирлаб оғримоқ (кўпинча қўл ва оёқ ҳақида). Ўнг қўлим увушиб қолди. — [Бахшилла ҳажси] уоушган оғғини қўли билан ишқалаб, оқсай-оқсай меҳмонхонага кирди. М. Осим, Эччилар. | Сезиш хусусиятини йўқотиб, қотганга ўхшаб қолмоқ; қарахт бўлмоқ. Сув шу қадар совуқ эдики, у [Санаев] қирғоққа чиқиб олганда бадани увушиб кесакдек жонсиз бўлиб қолди. Н. Сафаров, Тилсимчилар. — Госпиталда кўп ётиб оёқларим увушиб қолибди, — деди у ўзининг азобланаётганини сездирмасликка уриниб. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Безгак тутгандек совқотиб, ҳолсизлик сезмоқ, жунжимоқ. Иккинчи гал «касал эдим, баданим увушиб турибди» дедим. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. Саидий уни орқасидан кўриб қолди ва шу ондаёқ бу одам унутмаган дўсти — Эҳсон эканини билди-да, неадир ҳамма ёғи увушиб кетди. А. Қаҳҳор, Саароб.

◆ Юраги увушди кўнгилсиз бир нарсани сезиб, ўзини ёмон хис қилди; қаттиқ кўрқди. — Юрагим увушяпти — бирор нарса бўлганга ўхшайди, — деди Рихси хола. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**УГЛЕВОДЛАР** Ўсимлик ва жониворлар ҳаёти учун зарур бўлган, углерод, кислород ва водороддан таркиб топган органик бирикмалар группаси.

**УГЛЕВОДОРОДЛАР** Углерод ва водороддан таркиб топган органик бирикмалар группаси.

**УГЛЕРОД** [р] Ҳамма органик моддаларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган химиявий элемент. Угле род хлорид.

**УГРА** 1 Юпқа ёйниб; узун ва майда қилиб кесилган хамир. Угра оши. Угра

**кесмоқ.** — Зийдахон шитоб билан узра кесар экан, унга [Сидиқжонга] бир қараб қўйди. А. Қаххор, Кўшчинор.

2 Шундай хамирдан тайёрланган суюқ ош. Бозордан қайтишга тайёрланган овқат серқатиқ узра экан. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. || Уста Абдуллажон келтирган бир коса серқатиқ узра ошидан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди. О. Ёқубов, Видо.

**УД [а]** Учбурчак шаклидаги кўп торли, чертиб чалинадиган музика асбоби. **Уд чалмоқ.**

**УДАЙЧИ** айн. худайчи. *Анвар бугунги нома ва аризаларни йиғиштириб удайчиға топширди.* А. Кодирий, Мехробдан чаён.

**УДАРНИК I [р]** Отиш қуроли заворининг ўқ капсюлини уриб чақадиган, ўт олдирадиган учли қисми, учли. *Затвор ударниги. Ударник чақалаган пистон.*

**УДАРНИК II [р]** Иш нормасини ортинг билан бажарадиган илғор ишчи; зарбдор. *Ударник ишчи.*

**УДДА [а]** Бирор ишни бажара олиш, ўринлатиш; амалга ошириш, эплаш. *Бу нозик вазифанинг уддасини сизга ҳавола этмоқчимиз.* Ойбек, Навоий. **Удда қилмоқ** ёки **уддасидан чиқмоқ** бажара олмоқ; ўринлатмоқ; эплай олмоқ, эпламоқ. *Майли, ишни ҳам, ўқишни ҳам удда қиламан десанг, боравер.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бригаданиш унча катта ва кучли бўлмаса ҳам, барча ишини уддасидан чиқамиз, ишонаверинг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УДДАБУРО [а+ф+т]** Ҳар ишни удда қила оладиган, эплай оладиган; эпчил, абжир, тадбиркор. *Уддабуро аёл.* — *Йириклашаётган колхозга уддабуро раис керак эди.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади. *Нуъмонжон моҳир мастер, яхши бригадиргина эмас, балки уддабуро ташкилотчи ҳамдир.* Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан.

**УДДАБУРОЛИК** *уддабуро с. белги оти.* *Хоразм пахтакорлари табиат инжиқликларини ўз меҳнатлари, иродалари, уддабуроликлари тудфайли енгдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, 10 ноябрь.

**УДДАЛАМОҚ** Бирор ишни бажара олмоқ, ўринлатмоқ, удда қилмоқ. [*Лейтенант*] *қадам ташлашини кузатиб турар, сал бузимди, таққа тўхтатар, ишчи ҳам уддаламагани учун, тергай бошлар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**УДДАЛАШМОҚ** *уддалашмоқ фл. бирг. н.* *Бизнинг пахтакорларимизнинг ҳам иши билан сўзи бир, айтган вағдаларини албатта уддалашади.* А. Мирзаев, Сўз бериш — улуғ иш.

**УДЛИ-ШУДЛИ** Ишни тез бажарадиган, эпчил; серҳаракат, серғайрат. *Удли-шудли бола. Удли-шудли хизматчи.* *Удли-шудли бўлмоқ.* — *Болангиз тузук, удли-шудли чиқяпти.* *Ҳа демай, сизга сунячиқ бўлиб қолади,— деб, Вафо ақанинг кўнелини кўтариб қўйишди.* Х. Назир, Индамас.

**УДМУРТ** қ. удмуртлар. *Удмурт аёли.* *Удмурт тили.* *Удмурт халқи.*

**УДМУРТЛАР** Удмуртия АССР аҳолисининг асосини ташкил қиладиган угро-фин тили тармоғининг фин группасига оид тиллардан бирида сўзлашадиган халқ, РСФСР составига киради.

**УДУКВОР** *рвиш, с. т.* *Ҳеч қачон; мутлақо.* — [*Меҳри кампир*] *далага удуквор овқат элтмайди.* *Колхозчиларнинг пешана тери билан топган нонини туя-туя қилади,— деди домла.* А. Муқимов, Донишманд.

**УДУМ [а]** Умум томонидан қабул қилинган тартиб; одат, расм; анъана. *Тошкентликда бағоят қадим Яшаб келар эзу бир удум: Учрашганда биринчи сўроқ — «Тинчликми?» — деб, ҳол сурштирмоқ.* Шайхзода. | Ҳар бир шахснинг ўзига хос одати; машғулот, касб. *Паррандага ўч: ҳали қарқуноқ тугиб келади, ҳали бедана.* *Бобосининг удумини қилиб овчи бўламон дейди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УЕЗД [р]** эск. Революциядан олдинги Россияда ва СССРда 1929 йилгача губерна составидаги маъмурий-территориал бўлинма. *Уезд ҳокими «акангни Исомиддин деган жаллобни сайлаган эди.* А. Қаххор, Йиллар. *Қўқон уезд шаҳар комсомол комитети барча комсомолларни босмачиликни тугатишга сафарбар қилиши тўғрисида махсус буйруқ чиқарди.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

**УЗА узра с.** қисқарган ф. *Бизни хурликка чиқарган отамиз Ленинни, Ҳар ширин суҳбат уза тилга олиб, ёд этдик.* Ҳабибий.

**УЗАЙШМОҚ** *узаймоқ фл. бирг. н.* **УЗАЙМОҚ I** Бўйига чўзилмоқ, узунлашмоқ. *Йўл узайди.* *Кўёш оғиб, соялар узайди.* — *Катта-кичик дарахтларнинг ерга ташлаган кўланкалари, гердайиб кўкка узайган хайбатли қайрағочлар сирли; ваҳимали кўринди.* Ойбек, Кутлуг қон.

2 Узоқ вақт давом этмоқ, чўзилмоқ. *Қанча яшасак, шунча узаяр умримиз ҳам.* Э. Раҳим. *Сентябрнинг охирилари.* *Кўнлар қисқариб, тунлар эса узая бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. **УЗАЙТИРИЛМОҚ** *узайтирмоқ фл. мажж. н.* *Труба узайтирилди.* *Шартнома мuddати узайтирилди.*

**УЗАЙТИРМОҚ** *узаймоқ фл. орт. н.* *Қурувчилар йўлни узайтирди.*

**УЗАЙТМОҚ** *узаймоқ фл. орт. н.*

**УЗАЛА:** узала чўзилмоқ (ёки тушиб ётмоқ) бор бўйи билан ясланиб, чўзилиб ётмоқ. *Ермат майса устига узала чўзилиб, қаттиқ уҳ тортиди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Шерниёз узала тушиб, ухлаб қолган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бошлаган Эгамберди машина тагида узала ётиб, қуйманмоқда эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**УЗАЛМОҚ** айн. узанмоқ. *Саудий қизарди-да, узалиб, стол устида турган папиросдан бирини олиб тутатди ва*

*илжайди.* А. Қаххор, Сароб. *Оёғим узалиб, жағим осилиб тушишига бир баҳя қолади, ўртоқ.* И. Раҳим, Загори кема капитани.

**УЗАМОҚ.** Анча нари кетмоқ, узоқлашмоқ. *Тонг отди, қизлар узаб кетди.* «Равшан».

**УЗАНГИ** Эгарнинг икки томонига қайиш билан боғлаб осиб қўйиладиган, отга минши ва эгарда оёқларини тираб ўтириш учун хизмат қиладиган металдан ясалган от абзали. *Қомия кумуш узангига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди.* Х. Ғулум, Машғал. *Маълум отлик қутидорнинг дарвозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангидан узди.* А. Кодирий, Ўтган кунлар.

**УЗАНГИСОЗ** Узанги ясовчи темирчи уста. *Темиртош ўтрорлик бир узангисоз хунардоннинг биттаю-битта ўғли эди.* М. Осим, Ўтрор.

**УЗАНИШМОҚ** *узанмоқ фл. бирг. н.* *Болалар майса устига узанишди.* — *Базм этарди бағзан қирғоқда, Узанишиб, майса ўтмоқда, Бек ўпказиб ширин дамларни, Кучиб, ўйнаб саз санамларни.* Ғайратий.

**УЗАНИМОҚ I** Узала тушиб ётмоқ, чўзилиб ётмоқ. *Буни пайқаган Отабек, ханжарини қинидан чиқариб қўлига ушлагач, юз тубан ерга узанди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор нарсага олиш учун интиломоқ, қўл чўзмоқ; чўзилмоқ. *Қўзлари, ёришиб кетди, лабларини ялаб, милтиққа узанди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**УЗАСИДА** с. т. Устида. *Ҳайт-хўйт дегунча ўзимизни шаҳарга кетадиган катта йўл узасида кўрган эдик.* Ғ. Ғулум, Шум бола.

**УЗАТИЛМОҚ** *узатмоқ фл. мажж. н.* *Тўп ҳужумчига узатилди.* *Уғлим армияга узатилди.* — *Улмоний Сарой қишлоғига — тоғасининг ўғли Мирзога узатилди.* Н. Эшқувватов, Мангу ҳаёт.

**УЗАТИШМОҚ** *узатмоқ фл. бирг. н.* *Иккита оқ эчки .. соқолларини серкилатиб йўлчига қарашади-да, сўнг бошларини яна майсага узатишади.* Ойбек, Кутлуг қон. *Патнис ва бошқаларни қўлма-қўл узатишиб, амир олдига овқат етказиб турардилар.* Жўрабоев, Мулла Б. м.

**УЗАТМОҚ I** Қўлидаги бирор нарсага бошқа бир шахсга бермоқ, қўл чўзиб тутқизмоқ, бировга тутмоқ. *Раёно китобни секингина ёниб, Анавара узатди.* А. Кодирий, Мехробдан чаён. *Қози пиёладан бўштиб, Асад қорига узатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзини рўмол билан тўсган бир аёл деразадан ош узатди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор томонга йўналтирмоқ, чўзмоқ, ёзмоқ; ростламоқ (оёқни, кўлни). *Қўришиш учун қўл узатмоқ.* — *Мирзакаримбой оёқларини гиламга узатиб, силаб, гални давом эттирди.* Ойбек, Кутлуг қон. *У .. меннинг таралмаган сочларимга қўл узатиб, икки мартагина аста силаб қўйди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 спорт. Иргитиб, тепиб, иккинчи

ўйинчига ўтказмоқ, етказиб бермоқ; оширмоқ (тўп, шайба ва ш.к.ни)

4 Маълум жойгача биргалашиб бормоқ, кузатмоқ. Уни электр чирокли столба тағиғана узатиб, сўнг хайрланди. П. Турсун, Уқитувчи. Уста Олим Отабекни кўчагача узатиб чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Бирор манзилга йўлламоқ, жўнатмоқ. Она бугун узатади ўз ўғлини фронтга. Ҳ. Олимжон. Йигитлар ўрдаанинг улуг даразали бекларини таъзим билан узатар .. эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

6 Турмушга чиқармоқ, эрга бермоқ. Қимсаной бўйга етди. Анзираат хола уни шу ердан чиққан одамларга бермай, Чирикжойдага узатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Тилмоҳ хотинини бой бергандан кейин, отаси ажратиб олиб, шонга узатиб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бу қизни катта шовкат ва дабдаба билан узатишини орзу қилар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

◆ Кўрпага қараб оёқ узатмоқ қ. кўрпа. Оёқ узатиб ... хотиржам, бемадлол. [Фотима:] Мен ҳам дунёга умид билан келганман, оёғимни узатиб ўтирармиканман, деб ўғил ўстирганман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Қаёққа узатса, кўли етади ёки кўлини қаёққа узатса, етади нимани истаса, шуни уdda қилади; ҳар қандай мушкулотни ҳал қилишга қодир. [Зўра:] Кимга еспирсанг, гапинг ўтади; қаёққа узатсанг, қўлинг етади. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

УЗВ [а] 1 Тана аъзоси; муча, орган. Саидийнинг икки йил ичида бўшаёган илқлари тўлди, узлари эшилиб бўртди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор бутунликнинг ажралмас қисми, бўлаги. Бу чаман шонли Ватанинг узви бўлгандан кейин, Бундаги эркин гравждан бандга эмайди бўйин. Ғ. Ғулום.

УЗВИЙ [а] 1 Узвга хос; органик. Узвий нимё эск. айн. органик химия қ. органик II.

2 кўча Бирор кимса ёки нарсанинг ажралмас бир қисми ҳисобланадиган, у билан чамбарчас боғланган; энг яқин. Фан билан ишлаб чиқариш орасидаги узвий боғланиш. — Бундай ҳол турмушда такрор бўлиши мумкин, чунки бир иш иккинчиси билан узвий боғлиқдир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УЗДИРМОҚ узмоқ I—6 фл. орт. н. Анвар суллардан ҳеч кимса уздирмас .. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Гулсунбиби юмшамади: — Даданга айтаман; у аввал сенинг қалангни олади, кейин йўлчининг қалласини олади... Уздираман қаллаларингни! Ойбек, Кутлуг қон.

УЗЕЛ I [р] 1 Транспорт йўлларининг туташган, кесишиб ўтган жойи. Темир йўл узели.

2 Бир жойга ўрнаштирилган, вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғланган иншоотлар, механизмлар, қурилмалар

ва ш.к. йиғиндиси. Гидроиншоотлар узели. Радио эшиттириш узели. Теле-трансляция узели. | Вазифа жиҳатидан ўзаро боғли нарсалар марказлашган, гўж ўрнашган жой. Мудобага узели.

3 Машина ёки аппаратнинг ўзаро бириккан бир қанча содда деталлардан ташкил топган яхлит бир қисми. Машинасозлик заводларида .. узелларни йиғиб берадиган конвейерли .. линиялар ташкил этилмоқда. «К. Ўзбекистон», 1959, № 174.

4 анат. Организмдаги маълум хужайраларнинг гўж ўрнашган жойи; тугун. Лимфатик узел. Нерв узели.

УЗЕЛ II [р] денг. Қемаларнинг бир соатда босиб ўтилган денгиз мили сони билан ҳисобланадиган тезлик ўлчови. Пароход ўн икки узел тезликда юрди.

УЗЗОЛ муз. Ўзбек халқ куйларидан бири.

УЗЗУКУН рви, с. т. Ҳар кун; эртадан кечгача. Бу йигит ҳеч қаерда ишламайди .. Уззукун шу ерда ниста сотиб ўтиради. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

УЗИКМОҚ диал. айн. узилмоқ 3. УЗИЛ-КЕСИЛ I рви Катъин; бутунлай, тамоман, батамом. Раис қўл силкиб, узил-кесил маъқуллаган бўлди. Ш. Тошматов, Тонгатаи қўланка. Ҳали биз қипчоқ элидан узил-кесил қутулганимиз йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Виждоним, бутун фикрим мени масалани худди шундай узил-кесил ҳал қилишга ундар эди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Қарор ҳолига келган, қатъий; аниқ. Бу узил-кесил сўздан қутидор бўлаб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Урмонжон ҳали узил-кесил бир гап айтгани йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

УЗИЛМОҚ I узмоқ фл. мажх. н. Ип ингичка еридан узилади. Мақол. Қарз узилар, хотин ёнга қолар. Мақол.

2 узмоқ I—5 ўзл. н. Қапитанинг қувноқ шовқини эшитилганда, ғамгин хотираларимиз ҳуркиб, сокин суҳбатимиз узилди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Қайси биринигидир автоматидан ўқ узилди, лекин ҳавога учди. Шухрат, Шинелли йиллар. Чекинши вақтида ўз қисмидан узилиб қолган бир взвод жангчилар йўл қидира-қидира тасодифан буларга дуч келган. Ойбек, Қуёш қораймас. [Қодир] халқдан узилиб қолагана ўхшайди. Уйғун, Навбахор. Эчки ёғига ит ёғини қўшиб совун қуярмишсан? Ҳамманинг энгил-боши тоғорадан чиқмасдан узилиб кетаётган эмиш. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 Қайта оғрилашмоқ, касали қайталамоқ. Касални уринтирсанг, узилади. Мақол.

4 Ўлмоқ, дунёдан ўтмоқ. Бемор яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади, сахарга бориб узилди. А. Қаҳҳор, Бемор.

◆ Ичаги (ёки ичи) узилди I) қорни жуда очди, очикди. [Рузвон хола:] Қўй, болам, бунақа беҳуда хаёлларни .. Ол ошингни ич, ичагинг ҳам узилиб кет-

гандир. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда; 2) қаттиқ қулди, қулавериб ҳолдан тойди. — Чиройли йигит, ақлли йигит, — деб мақтай-мақтай Тўйбеканинг ичаги узилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оёғи узилди келмай қўйди, келиш-кетишини тарк этди. Келди-кетди бўлиб, Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учрашолмади .. Ниҳоят уйдан меҳмонларнинг оёғи узилди. С. Аҳмад, Уфқ. Юраги (ёки юрагининг бир чеги) узилди бирор кимса ёки нарсага ачинди, гоят хафа бўлди. Жонузоқнинг юмалоқ қўйма гавдиси .. узоқдаги тунд буталар орасида кўздан яширилганида, Бобоқўлнинг юраги узилиб қолди. С. Анорбоев, Оқсой. [Нодир] автотубусга ўтириб, станцияга яқинлашгани сари юрагининг бир чеги узилиб қолгандек бўлаверди. Ш. Ғулוםов, Ёркин уфқлар.

УЗИШМОҚ узмоқ фл. бирг. н. Улар арқонни узийди.

УЗЛАТ [а] кт. Кишилардан узоқ, якка ҳолда яшаш; ёлғизлик. Бу имонсизлардан имонини асрай десанг, етти қат ер тағидаги жаҳаннамда ёнмай десанг, узлатга чекин, узлатга, бошимни олиб кет бу ердан, Бобоқўл. С. Анорбоев, Оқсой. Тақдирнинг оғир, адолатсиз зарбаларидан қаттиқ ғазабланган Рембрандт узлатда яшайди. А. Абдуллаев, Буюк рассом Рембрандт.

УЗЛАТНИШИН [а+ф+т] кт. Кишилардан узоқда, якка ҳолда яшовчи. Назаримда, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, димиқиб ётган бу узлатнишини одамга бизнинг келишимиз деразадан отилиб кирган баҳор шабадасидек туюлиши керак эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

УЗЛУҚМОҚ диал. айн. узилмоқ 3.4. [Гавҳар:] Сал дармонга кирсангиз, яши бўларди. Узлуқиб қолмасмикансиз? С. Зуннунова, Гулхан. Икки мартаба одам юборганимда [Абдураҳимнинг хотини] унамапти, ҳали дармонга киргани йўқ, узлуқади, дебди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

УЗЛУҚСИЗ I Бирин-кетин, кетма-кет; пайдар-пай. Машиналар узлуқсиз ўтиб турипти. — Қооперативга паранжи ва камзул ёпинган аёллар узлуқсиз қатнаб, у ердан келиш, чит, совун, чой каби нарсалар олиб чиқардилар. П. Турсун, Уқитувчи. Гранаталар узлуқсиз учди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тўхтамасдан, сурункасига, тинимсиз. Икки сутка узлуқсиз ёмғир ёғди. — Йўл бўйлаб кетган симёғочлар эси узлуқсиз гувиллайди. П. Турсун, Уқитувчи. | Мунтазам равишда, изчил равишда, қанда қилмасдан. Уз. малакасини узлуқсиз ошириб бормоқ. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги узлуқсиз ортмоқда. — Ҳар кун эрталаб радио орқали берилгидиган гимнастикани узлуқсиз машқ қилгани орқасида Замоннинг мускуллари пайга айлиниб кетган эди. Н. Назаров, Замон. Пахтачилик билан бир қаторда .. қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам уз-

дуксиз ривожланиш йўлидан бормоқда. Б. Раҳимов, Юксак парвоз.

◆ **Узлуксиз каср айн.** даврий каср қ. даврий.

**УЗМА** Юпқа ёйилган хамирни қўлда узиб, қиймали шўрвага солиб пишириладиган таом.

**УЗМОҚ** 1 Куч билан тортиб, юлқиб бутундан ажратмоқ, бўлмоқ, кесмоқ. *Хўкис бир силтаб арқонни узиб юборди. Монтёр симни узди.* — *Жўра пошша бўйнидан марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шарт узиб, марваридларни киезга тўқди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. *Дуторчи дуторнинг қулогини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Йўлчи .. чопонининг йиртиғидан жиндай пахта узиб, ерга ташлади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Зиёда-хон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинон.

2 Палак, поя ёки новдасидан ажратиб олмоқ, кесмоқ. *Қовун узмоқ. Помидор узмоқ. Узум узмоқ. Гул узмоқ. Олма узмоқ.* | Ажратиб олмоқ, кўчириш. *Тандирдан нон узмоқ.* — *Мастура патирини рапида-сиз узиб олди-да, куйган қўлини .. сувга ботирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Турган жойидан қўзғатмоқ, кўтармоқ. *Бу харсангни ердан узиб бўлмайд.* — [Мардонбек] *самани тўхтамасданоқ узангидан оёқ узар экан, зугум тўла назари оёл билан ўспиринга тушади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Юнус .. тиззаларини оғриқ кемириб еб ташлаётган бўлса ҳам, бошини ёстиқдан узиб, қимирлатиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Тўхтатиб, бўлиб қўймоқ; тўхтамоқ, кесмоқ. *Гапни узмоқ. Сўхбатни узмоқ.* — [Саодат:] *Қўрқмасин ҳам борми, ўзингга эҳтиёт бўл, хатингни узма.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Бўй этган қиз, ҳозир сен билан алоқани узган, узмаса ҳам бўйиштирган бўлар эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

5 Қарзни тўламоқ, қарздан қутулмоқ. [Ғофир:] *Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. [Мақсуд:] *Елгончи қиз. Қани, жонидан, қарзингизни бир узиб қўйинг-чи!* Н. Сафаров, Уйғонини.

6 Каттиқ тишламоқ ёки чақмоқ; тишлаб ёки чақиб аяламоқ. *Итнинг иши — узмоқ, ёмоннинг иши — бузмоқ.* Мақол. — *Атрофда гув-гув пашша: оёқларда ёпишади, бурун катакларига суқилади, қулоқни узади.* Ойбек, Қутлуг қон.

7 *Кўйма* Каттиқ таъсир қилиб азоб бермоқ, оғритмоқ, ачиштирмақ (иссиқ, совуқ, зарб ва ш. к. ҳақида). *Қизилқумда қиш изғирини баданни узиб ола бошлаган кезде, кечаги студент трассага келиб, колонна механигини бўлиб ишга тушган эди.* Х. Назир, Утлар туташганда. *Шудор қизиган мисдай оёқни жисзиллатиб узиб олади.* Ф. Ғудом, Тирилган мурда.

◆ **Қадамини (ёки оёғини) узмоқ** келмай қўймоқ, келишни тўхтатмоқ. **Кўз(ини) узмоқ** қарашни тўхтатмоқ, қарамай қўймоқ. *Хўжабеков стол устида ётган қандайдир диаграммалардан қўзини узиб, Шербекка таънали боқди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Кўнгли узмоқ** қ. кўнгли. **Узиб олмоқ** иззат-нафсага, асабга қаттиқ тегадиган гаплар айтиб, танбеҳ бермоқ; чақиб олмоқ. *Олия хола ўғлини бир-икки узиб олди.* С. Маҳкамов, Дала тонги. **Узиб уламоқ** ўз гапини маъқуллаб эзмалик қилмоқ, гапирарвермоқ. — *Бўлар иш бўлди, узиб улашиниғ фойдаси йўқ, — дейди Шермат ота.* Х. Нуъмон, Фасллар. **Умид(ини) узмоқ** қ. умид 1. **Ўқ узмоқ** ўқ отмоқ. *Бекнинг отахони [Жўра] Назар жаллоднинг худди ўнг кўзини мўлжаллаб ўқ узган ва калласининг ярмисини учириб юборган эди.* Х. Шамс, Душман. **Қулоқ узмай** диққат-эътибор бериб эшитиб. [Ҳасанали] *тагин бир неча дақиқа қулоқ узмай туриб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**УЗОР** [а] эск. *позт.* Ўз, рухсор. *Мунча латифу мунча соз лола узорини кўринг.* Ҳабийб.

**УЗОК** 1 Бирор кимса ёки нарсадан катта масофа билан ажралиб турадиган, ундан кўп наридаги; йироқ, олис. **Узоқ районлар.** | **Мақтаб** *бу ердан узоқ эмас.* || *Йўл узоғи ҳеч гапмас, кўнгли яқин бўлса бас.* Мақол. — *Кўк гулдирради. Узоқ урғуда чақмоқ чақилди.* Айний, Қуллар. [Салимбойвачча:] *Ўғлингиз узоқ юрларни кўриб келарди.* Ойбек, Қутлуг қон. [Майсара:] *Кўёвни бўлса узоқ бир жога узатдим.* Ҳамза, Майсаранинг иши. | Катта масофага чўзиладиган. **Узоқ йўл.**

2 Узоқдаги, жуда наридаги жой, катта масофа билан ажралиб турадиган жой. **Узоқларга тикилмоқ.** **Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши.** Мақол. — **Узоқдан замбараклар хайқирғи,** снарядларнинг портлаши эшитилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Қаттиқ титраган дераза орқали узоқда ўт-бўронлар кўринади.** Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бир қанча вақт давом этадиган, тезда тугамайдиган; давомли. **Узоқ тун.** **Узоқ вақт.** **Узоқ муддатли кредит.**

— **Узоқ кеча, қийналур юрак,** **Тўлғонаман бўлиб беором.** Ғайратий. **Узоқ умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим.** А. Қаҳҳор, Минг бир жон. **Шу йўсин икки шўр пешана узоқ маҳалгача бир-бирдан айрилмади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. || **Ойқиз сеvimли ёрига узоқ термилди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **У кўзини қисиб, рўқанинг думи билан пешанасини қашиб, узоқ ўйлади.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Усиб улғаясан, яшайсан узоқ.** Э. Раҳим. | **Жуда нарида, олис жойда ўтадиган, олис. Узоқ сайхатга жўнамоқ.** — **Узоқ сафардаги йўлдошдай,** **Булут ёриб чиққан қўшдай,** **Қад кўтарган битта ҳайкал бор,** **Жар ёнида турар улғувор.** Э. Раҳим.

4 Бевосита ёки яқин қариндош эмас, бошқа қариндош туфайли туташган. *У ерда Элмуроднинг ҳам бир эмас, кўпгина узоқ қариндош-уруғлари бордир.* П. Турсун, Уқитувчи. **Меҳмон узоқ қариндош — отасининг аммаваччаси — Аширмат эди.** Ойбек, О. в. шабадалар. | Танишлиги йўқ, нотаниш, бегона. **Нурининг ниҳоқ кўни у бегона қиз — узоқ қиз бутунлай таниш ва яқин бўлиб қолди.** Ойбек, Қутлуг қон.

6 Алоқаси, муносабати йўқ; алоқасиз. *Бу фикр ҳақиқатдан анча узоқ.* — **Ойқиз-чи, у ҳам ёш, кекса Муроталининг фикри-зикрини билишдан узоқ.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Узоғи билан** кўп дегандан, кўпи билан. **Узоғи билан икки-уч кун ичида ишингизни оласиз.** Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Узоқ гап с. т.** амалга ошириш ёки юзгага қиқшири қийин бўлган нарса ҳақида. **Ортбоқ олим қариндошларидан «жонқуяр» деб танилган киши Қумушнинг тоғаси Аҳмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўпини Қўқондами, Хўжанддами ўтқарар, шунинг учун ундан ёри қутуши ҳам узоқ гап эди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Узоқ йили** ўтган йилдан олдинги йил, бурноғи йил. [Мастура Гулжонза:] **Почангиз узоқ йили судга икки юз сўм бериб, закон ўрганиб келди.** Ҳамза, Паранжи сирлари. **Узоққа бормайди** кўп давом этмайди, тез фурсатда барҳам топади, тамом бўлади. **Энди ўзини қаёққа урса ҳам, узоққа бормайди.** Ҳисоботини эшитамиз-чу, тамом. П. Турсун, Уқитувчи. **Узоққа чўзмоқ** бирор ишнинг амалга ошириши кетинга сурмоқ, тобора кейинга қолдирмоқ. **Шошмасликнинг .. сабаби мумкин қадар тўғри узоққа чўзиб, шу воситада Анварнинг соғиш .. эди.** А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Узоқни кўрмоқ** келажак ҳақида тўғри фикр юрита билмоқ, оқибатини ўйлаб иш тутмоқ. **Бугунги эмас, узоқни кўриш керак, косовинг узун бўлса, қўлнинг куймайди.** А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Эҳтимолдан узоқ эмас қ. эҳтимол.**

**УЗОҚДА** *рви* Олисда, ироқда, ироқ жойда. *У узоқда туради. Темир йўл шаҳардан узоқда эмас.*

**УЗОҚДАГИ** Бирор кимса ёки нарсадан катта масофа билан ажралиб турадиган, ундан кўп наридаги; олисдаги. **Узоқдаги кишинашар, яқиндаги тишлашар.** Мақол. **Узоқдаги қўйруқдан** яқиндаги ўпка яхши. Мақол. — **Асрорқул узоқдаги кўм-кўк адирларга соя солиб турган оппоқ булут парчаларига қараб жим қолди.** А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Узоқдаги тоғлар ва тепаликлар тусларини йўқотиб, тобора қуйилаётган тун қучоғига сингиб бормоқда.** П. Турсун, Уқитувчи.

**УЗОҚДАН** *рви* Олисдан, ироқдан, ироқ жойдан. *У узоқдан келди.*

**УЗОҚДАН-УЗОК** 1 Нихоятда узоқ, жуда олис. **Узоқдан-узоқ йўл.** **Узоқдан-узоқ қишлоқ.**

2 Жуда кўп вақт давомидан. **Узоқдан-**

-узюқ гапирмоқ. Узюқдан-узюқ юрмоқ.

**УЗОҚ-ЎВУҚ** айн. узюқ-яқин. Узюқ-ўвүқдан қанча одамлар келади. Ойбек, О. в. шабадалар. Кеча вафот қилди ҳаммаҳалламиз, Қўни-қўшини, дўстлар бари йиғилди, Узюқ-ўвүқдан ҳам ишитган келди, Елкада кўтариб бордик ҳаммамиз. Шукрулло.

**УЗОҚЛАМОҚ** с. т. 1 Анча нарига кетиб қолмоқ, йироқлашмоқ. Тракторлар ишга туюди. Аммо узюқламай ёниги тамом бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 71.

2 айн. узюқлашмоқ. Узюқлаб кетдингиз, роса кутдик-да.

**УЗОҚЛАТМОҚ** узюқламоқ фл. орт. н. [Отабек] Ҳасаналини хужрадан узюқлашиб, сўнгра жавоб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УЗОҚЛАШМОҚ** 1 Бирор кимса ёки нарсдан нарига кетмоқ; йироқлашмоқ. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узюқлашди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Чернецов жангчилар олдиан узюқлашган, Эмин Норматга: «Кеча юрагимни ёрган эдингиз, комиссар индамади-ку», — деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўйма Қариндошлик ёки қадрдонлик алоқаларини сусайтирмоқ ёки йўқотмоқ; борди-келди қилмай кўймоқ; беғоналашмоқ. У [Мирзакаримбой] ўз ичиди ўйлади: — .. Онасининг узюқлашиб кетган тоғасини йиғит бекорга йўқлаб келадими? Йўқ, мендан кийим-кечак, пул-мул сўраш умидида келган. Буни онаси юборган, албатта. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЗОҚЛАШТИРИЛМОҚ** узюқлаштирмоқ фл. мажх. н.

**УЗОҚЛАШТИРМОҚ** узюқлашмоқ фл. орт. н. Ўздан узюқлаштирмоқ.

**УЗОҚЛИК** 1 узюқ с. мажх. от. Қиш тунининг узюқлиги. Сўхбатнинг узюқлиги.

2 Икки нарса ёки икки жой оралигидаги масофа. Ердан Ойгача бўлган узюқлик. — Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғига жойлашган. Тиктепадан узюқлиги уч чақиримча бор. А. Қодирий, Обид кетмон. Қўзибойга дадаси «Оқтой»ни бундан уч ой бурун янги участкага кўчганларида, мактабга ниёда қатнаш узюқлик қилгани учун олиб берган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Кўзга кўринадиган энг узюқ жой; уфққа яқин жой. Поёнисиз қирнинг .. кўз илғамайдиган узюқликлари туманлангансимон кўриниш берар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Гулнор] шийпоннинг панжарасига яқин келиб, узюқликларга тикилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЗОҚМОҚ** Узюқ вақт келмай қолмоқ, хаяллаб қолиб кетмоқ. Ишбоши дейман, шаҳарда жуда узюқиб қолдингиз, қани, ўтиринг, нима гаплар бор? Ҳ. Шамс, Душман.

**УЗОҚ-УЗОҚ** 1 Жуда узюққа жойлашган, жуда олис. [Элмурод] қўлтигида папкаси ариқ ёқалаб, ҳайдалган,

қорайган ерлар олди билан одимлар экан, узюқ-узюқларга, қилларга тикилди. П. Турсун, Ўқитувчи. «Қўча боғи» унинг овозига қовушиб .. теварак-атрофда, узюқ-узюқларда, кенг фазоларда янгради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 рви Кўп вақт давомида, бир қанча вақт. Узюқ-узюқ термилмоқ. — Очиш музокамага астойдил тайёрилана бошлади. Лаборант қизининг қаринсиди узюқ-узюқ ўтириб қўлазма ўқиди. П. Қодиров, Уч илдиз. Князь ўзи гоҳ Тошкентга, гоҳ Андижонга кетиб, узюқ-узюқ туриб қолар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**УЗОҚ-ЯҚИН** 1 Шу жойдан турли узюқликдаги, турли масофадаги. Узюқ-яқин жойлар. Узюқ-яқин қишлоқлар. || Йўл юрди-ю мўл юрди, Узюқ-яқин кўринди. У бир жойга келганда Йўл иккига бўлинди. З. Дивёр. || Онахон .. кечаси узюқ-яқинда ишитилган ўқ овозларини ваҳима билан тинглаб, тонг оттирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. То кўзгача даламизга узюқ-яқиндан таниш-нотанишлар келиб турди. М. Жўра, Қўёшдан нур эмганлар.

2 Қариндошлик ёки танишлик даражаси турлича бўлган. Узюқ-яқин қариндошлик. || Узюқ-яқинларим келишиди. — Укаларимни узюқ-яқин қариндошларимиз олиб кетишиди. Ойбек, Қутлуғ қон. Аввал кўни-кўшинилар, кейин узюқ-яқин қариндошлар етиб келишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Зиёрат қилувчиларнинг аксариси .. узюқ-яқин кўз таниш мадраса талабалари эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**УЗР** [а] 1 Қишнинг гуноҳсизлигини кўрсатадиган, уни оқлайдиган сабаб, важ. Ишлашдан қўрқиниш тўғрисидаги узримни айтиб йиғладим. Ҳ. Ғуллом, Тирилган мурда. Мен отангизга бирга кетолмаслигимни бир неча вақт айтмай юрдим ва ниҳоят отангиз кетишга руҳсат сўрай бошлагач, отам орқали узримни айттирдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гуноҳини авф этиш ҳақидаги илтимос; кечирим. Утиб кетган, ҳозир ҳам мамизни ҳам хижолатга қўйган иш тўғрисида Фармонқул, узр тариқасиди бўлса ҳам, гап очармикан, деб хавотирда эдим. А. Қаххор, Қўшчинор. Узр сўрамоқ (ёки айтмоқ) гуноҳини кечирини, авф этишини илтимос қилмоқ. Юсуфжонов шу ҳаёлда келаркан, ўзини бир аёлга уриб олиб, ундан зўрга узр сўради. Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. Бор, жонгинам, амакинга, Саарихон аяга узр айт. «Муштум», 1959, № 14.

3 унд. с. «Авф этинг», «кечиринг» маънолариди ишлагилади. — Узр, сизни қўрқатиб юбордим, — деди Ғулмонжон, ўзига ҳам зўрга иштиларли ҳаяжонли товуш билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УЗРА** кўм. (б. к. билан) Бирор кимса-нарс сиртида, устида ёки тепасида. Ўрмонлар шувиллаган Олис юрда ҳали ҳам, Номсиз тепалик узра Ухлаб ётибди отам. Э. Воҳидов. Адирдаги лолалар

кўм-кўк майса узра чирой касб этган. А. Каттабеков, Яратувчиник ишқиди. Гўзал тунроқ узра қуйилди оқишом, кундуз олар дам, Жўшқин мушоира этади давом, Дўстим кел сен ҳам! Зулфия. Оёқ узра турмоқ қ. оёқ 1 1.

**УЗРЛИ** Асосли сабаби бор, сабабли; кечирса бўладиган. У [секретарь] Ориф акага кўз қирини ташлаб, қўйиб қўйди: — Ўртоқлар, .. айтиб қўяй, Мария Васильевнанинг келмаганлиги узрли, райондан қайтаётиб даштдаги сохозда тўсатдан тоби қочиб ётиб қолди. А. Мухтор, Чинор.

**УЗР-МАЪЗУР** [а] Кечирим сўраш ва авф этиш, кечиринг; узр ва маъзур. Узр-маъзур айтишмоқ. — Айб сизда бўлса, бир узр-маъзур кечаси қиламиз. А. Қаххор, Сароб. — Мулла Зия оғир экан. У Мираҳимнинг сўзига эътибор бермади, юздан табассум ҳам ўчмади, балки у, Мираҳимга узр-маъзур қилмоқчи бўлди .. — деди Шокиржон. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**УЗРСИЗ** Асосли сабаби бўлмаган; асоссиз, сабабсиз. Узрсиз сабаб. || Машиғулотдан узрсиз қолмоқ.

**УЗУК** Безак учун бармоқда тақилдиган ҳалқасимон металл буюм. Тилла узук. Ёқут кўзи узук. Узукка кўз солмоқ. — Ҳожси хола узукни этдор сималогича ўткази туриб, хиринглади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эрибмет муштумига бежирим иягини тираб ўтираб, бармоғиди узуги дунжига ботиб кетган эди. А. Мухтор, Қоракалпоқ кечаси.

◆ Узукка кўз солгандай бир-бирига ниҳоятда мос тушган, бир-бирига муносиб, монанд.

**УЗУКЛИ** Узуги бор, узук тақилган. [Уста] соғол обдастидан қўлига суо солиб узукли қўллари билан бошимни ишқалай кетди. Ҳ. Ғуллом, Шум бола. Валихон бриллиант узукли кўрсаткич бармоғини бизиз қилиб таъкидлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**УЗУМ** 1 Токнинг гўжумлардан иборат меваси. Бир ишқил узум. Узум гўжуми. Узум шарбати. Узумини энг, боғини суриштирманг. Мақол. — Салимбойвачча икки ишқомга кириб, бошдан оёқ кўриб чиқди: — Узум ток баргидан ҳам мўл. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир кун кўчада кетайтсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти. А. Қаххор, Хотинлар.

2 с. т. Ток. Узум экомқ. Узумни хомтоқ қилмоқ.

**УЗУМЗОР** Ток экилган ер, тоқли майдон, боғ. Қолхоз узумзори. — Бу ер узумзор экан. Улар биринчи ишқомга кириб олдилар. Ҳ. Ғуллом, Маъшвал.

**УЗУМЧИ** 1 Ток экиш ва узум етиштириш иши билан шуғулланувчи мутахассис, боғбон.

2 Кўплаб узум олувчи, узум билан савдо қилувчи шахс. — Гард орасидан ориқ байталга минган бир узумчи чол пайдо бўлди, — деди Шум бола. Ҳ. Ғуллом, Шум бола.

**УЗУМЧИЛИК** 1 Узум етиштириш.



Узумчилик хўжалиги. Узумчиликни ривожлантирмоқ.

2 Қишлоқ хўжалик фанининг тоқ экиш ва узум етиштириш ҳақидаги бўлими. Узумчилик институти.

3 узумчи 2 с. касб оти. Узумчилик қилмоқ.

**УЗУН** 1 Бўйига қараб чўзилган, чўзиқ. Узун сим. Узун соч. Узун ёғоч. — Адолат қалин ва узун киприкларини ялт этиб кўтариб, Норматга қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Илк кўклам ёғдуллари йўқов корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган. П. Қодиров, Уч илдиш. | Бўйи одатдагидан катта, керагидан ортиқ. Узун кўйлак. || Ёғоч кессанг, узун кес, темир кессанг, қисқа кес. Мақол. — Кўёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға кўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Баланд, новча. Узун терак. — Ҳасан сўфи узун, нозик гавдасини чўзиб, ера ётди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Узоқ вақт давом этадиган, чўзилдиган; тезда тугамайдиган; давомли, узоқ. Узун доклад. Узун эртақ. — Қишининг узун тунлари бу ера уфатлар гап ейишади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Унинг кичик, кўкшироқ кўзлари.. узун умрининг тарихини жонли ифода қилар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Анвар.. сандал кўрғасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди. А. Қодиров, Мехробдан чаён.

◆ Арқонни узун ташлаб кўймоқ қ. арқон. Узун косов ҳар қандай буйруқни хушомадгўйлик билан бажарувчи. Сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**УЗУНАСИГА** рвш Бўйи томонга қараб; бўйига томон. Йегиш қўлочини катта отиб, сувни шақ-шақ савалаб, қирғоқ бўйлаб — узунасига сўзди. Ойбек, Қутлуг қон.

**УЗУНДАН-УЗОҚ** 1 Бўйига қараб ниҳоятда чўзилиб кетган. Олти қарич кенгликда узундан-узоқ тор кўча, тор кўча бошида кичкинагина бир эшикча эди. А. Қодиров, Ҳўтан кунлар.

2 Узоқ давом этадиган; жуда узоқ. Узундан-узоқ доклад. — Маҳдум кўзларига ёш олиб, йғлини узундан-узоқ дуо қилди. Х. Ғулор, Машғал.

**УЗУНЛАШМОҚ** Узун бўлмоқ, узаймоқ. Кўёш оғса, соялар узунлашади. — Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди. С. Аҳмад, Уфқ.

**УЗУНЛИК** 1 узун с. бели оти. Бу кўйлак менга узунлик қилди.

2 Чизиқ, йўл, сатҳ, жисм кабиларнинг бир-биридан энг узоқ икки нуқтаи ораллигидаги масофа; нарсанинг бўйи. Дарёнинг узунлиги. Сочнинг узунлиги. — Шербек бўлса қўлидаги линейкаси билан қўзичоқнинг жунини ўлчар ва дафтарига унинг.. узунлигини ёзиб

қўярди. С. Анорбоев, Оқсой. Қазиландиган ариқнинг узунлиги ўттиз чақирим.. эди. А. Қодиров, Мехробдан чаён.

3 геогр. Бош меридиандан экватор бўйлаб кетган ва градуслар билан ўлчанадиган масофа (ер сатҳи юзасидаги нуқтани аниқлаш учун хизмат қилади). Шарқий узунлик. Ғарбий узунлик.

**УЗУНЧОҚ** Энига қараганда бўйи анча чўзиқ, анча узун; чўзинчоқ. Узунчоқ юзли одам. — Бир узунчоқ тоқчада каттагина ойна билан қизил гулли патнуч ёнма-ён турибди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Карп балиқларининг гавдаси кўполроқ, узунчоқ, ўзи читтақдай чаққон. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УЗУНҚАНОТ** Қалдирғочнинг қанотлари бўйига нисбатан узун бир тури.

**УЗУНҚУЛОҚ:** узунқулоқ гаплар оғиздан оғизга ўтиб юрган миш-миш, ёлғон-яшиқ гаплар.

**УЗУРПАТОР** [р<лат] Бировнинг ҳуқуқини ёки давлатини қонунсиз ўз қўлига ўтказиб, тортиб олган шахс.

**УЗУРПАЦИЯ** [р<лат] Бировнинг ҳуқуқини ёки давлатини қонунсиз ўз қўлига ўтказиб, тортиб олиш.

**УЗУҚ** 1 Узиллиб қолган, узиллиб кетган, узилган. Узүқ арқон. Узүқ сим. || Ипнинг узуги. Занжирнинг узуги.

2 Бир-бирига боғланмаган, бетартиб; узүқ-юлуқ. Узүқ хаёллар. Узүқ гап-сўзлар. — Бирдан қий-чүв, қизлар галаси Қуришаб олар шодлик ҳаяжон Барин кучган. Гап-сўзлар узүқ. Ойбек.

**УЗУҚ-ЮЛУҚ** 1 Бир неча еридан узилган, узүқ. [Ҳаммолларнинг].. белида, елкасида эски-туски нарса, узүқ-юлуқ арқон, кийимлари жулдур, ифлос. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бир-бирига боғланмаган; чала-чулла. Ширмонхоннинг қулоғига узүқ-юлуқ сўзлар чалиндию, ҳеч нарса уқолмади. С. Зуннунова, Олов. || Бу ҳолатда уларнинг суҳбати ҳам узүқ-юлуқ,.. боғланишсиз давом этарди. А. Мухтор, Тугилиш.

**УЙ** 1 Яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш. к. жойлашиши учун мўлжалланган бино. Уч хонали уй. Беш қаватли уй. — Бағзан кўринар кўзга Шохона уйлар кўркам. Ғайратий. Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир йўла ва бирданича қурилаётганга ўхшайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Яшаш учун мўлжалланган бино ичидаги ҳар бир хона. Бу бино уч уй ва бир айвондан иборат. Еруғ уй. Кенг уй. — Уйларда, айвонларда хотинлар кўп эди. Ойбек, Қутлуг қон. Ғулумжон айвонга чиқиб, дарчадан қарилар уйига қулоқ солди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бирор ижтимоий талабни қондиришга қаратилган муассаса. Болалар уйи. Дам олиш уйи. Пионерлар уйи.

Маданият уйи. — Кўёшнинг аксида кўринар яққол Мағрифат уйига ташланган қадам. Ғайратий.

4 Оила; хонадон. Қирқ уй қуда бўлса, қирқ йил қиргин бўлмас. Мақол. Ёмон арава йўл бузар, ёмон киши уй бузар. Мақол. — Фарзанд — уй ободлиги, Келажак ниҳолидир! Ё. Мирза. Уй ичи оила аъзолари. [Холиқсон:] Уй ичларимиз, қалай, бариси тирикми? Ҳамза, Паранжи сирлари. Уйи бузилди эр-хотин ажралишди, оиласи барбод бўлди. Уй қилмоқ қ. қилмоқ 2. | Рўзғор, хўжалик. Мағмур уй. Тўқин уй. Уй тўтмоқ. Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир. Мақол. — Онахоннинг устахонада бўз тўқиб топганини икки қизаси рўзғорда умма-уч қилиб бинойидек уй тўтишади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Уроғ:] Уйинг кўйгур [бой], шунча йил ишла-тиб энди кўчага ташлайдими? Ойбек, Қутлуг қон.

5 Бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер; ҳовли. Қизлик уйга қирқ от бойлар. Мақол.

**УЙДИРИЛМОҚ** I уйдирмоқ I фл. мажж. н. Тошлар бир ерга уйдирилди.

**УЙДИРИЛМОҚ** II уйдирмоқ II фл. мажж. н. Уйдирилган далиллар.

**УЙДИРМА** Ўйлаб, тўқиб чиқарилган; ёлғон. || Айбдор ўз уйдирмаларини исботлашга тиришди. — Эртасига Ислохўжа ҳақида уйдирма гаплар, фикс-фасодлар тўқилди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**УЙДИРМАЧИ** Ёлғон-яшиқ гапларни ўйлаб, тўқиб чиқарувчи; ёлғончи.

**УЙДИРМОҚ** I I уйдирмоқ фл. орт. н. 2 диал. Қовоғини солмоқ. Кокилиннинг банди-бандин туйдирма. Қошинг кериб, қовоғиненг уйдирма. «Равшан».

**УЙДИРМОҚ** II Тухмат, ёлғон гапларни ўйлаб чиқармоқ; тўқимоқ. Ниҳоят улар ҳўйла билан тухмат уйдирдилар. Ҳамза.

**УЙ-ЖОЙ** I Яшаб, истиқомат қилинадиган жой, ҳовли ва ш. к. Қўз уларнинг болаларини боқади, кирларини ювади, уй-жойларини йиғиштиради. Ойбек, Қутлуг қон. Элмурод.. ўз оиласининг уй-жойидан ажраб, қишлоқдан чиқиб кетганини ҳаёлидан ўтказар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Оила; рўзғор, хўжалик. [Қорч:] Ийе, онангиз бўлса, уй-жойингиз бўлса,.. давлат-ку! А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гулнор қиз билан гаплашганда, унинг қишлоғи, уй-жой тирикчиликларини.. тўғрисида сўз очар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Уй-жой қилмоқ айн. уй қилмоқ қ. қилмоқ 2.

**УЙ-ЖОЙЛИ** I Уй-жой бор, уй-жойга эга.

2 Оилали, болали-чақали. Уй-жойли киши.

**УЙИЛИШМОҚ** ўйилмоқ фл. бире. н. Қўтонда қўйлар уйилишди.

**УЙИЛМОҚ** ўймоқ фл. мажж. н. Тоқчада унинг [Қумушинг] ўн беш



чамали, асл кўйлақлари уйилган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Сулув қизлар, қош-қовоғи уйилган, Хайит, тўйга боргандай бўб кийинган. «Равшан».

**УЙМОҚ** с. т. Ивимоқ. Кейинроқ хурмананинг устини очиб қўйган. ўзинг биласан-ку, болам, яна зардоб йиғиб, уймай қолмасин. С. Анорбоев, Шерали.

**УЙШИШМОҚ** уймоқ фл. бирг. н. Болалар терган кўсақларини хирмонга уйишди.

**УЙКЎРАР** этн. Бўлажак келин қариндошларининг куёв бўлмиш йигитнинг уй-жойи хонадони билан танишиш маросими.

**УЙЛАНИШМОҚ** уйланмоқ фл. бирг. н.

**УЙЛАНМОҚ** Бирор қиз ёки аёлни ўз никоҳига олмоқ, оила қурмоқ (эр киши ҳақида). Толибжонбойнинг.. икки ўғли уйланган, бир қизи эрга теккан, набиралари ҳам бор. Ойбек, Қутлуг қон. Қўшилар, шу Ваҳобжон уйлана қолсаиди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. Йигит бирдан уйланиши тараддудига тушиди-ю, бир ҳафтанинг ичида тўй ҳам бўла қолди. А. Қахҳор, Хотинлар.

**УЙЛАНТИРИЛМОҚ** уйлантирмоқ фл. мажҳ. н. Ҳасанали ўттиз ёшли вақтида сотиб олинган бир чўрига уйлантирилган бўлса ҳам, аммо ўғил-қизлари бўлмаган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**УЙЛАНТИРИШМОҚ** уйлантирмоқ фл. бирг. н. Бошқалар боласини ўн еттича чиқмай уйлантиришади, орзу-ҳавас кўришади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**УЙЛАНТИРМОҚ** уйланмоқ фл. орт. н. Инқилобдан бир ойна аввал отаси уни Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги бадавлат хонадонлардан бирининг қизиға уйлантирган. Х. Ғуллом, Машъал. Хайдар ота бош бўлиб [Асрорқулни] бир бева хотинга уйлантириб қўйди. А. Қахҳор, Асрор бобо.

**УЙЛИ** 1 Уйга эга, ўз уйи бор. Уйли кўёв.

2 Уйлардан ташкил топган, уйлардан иборат. Беш юз уйли қишлоқ. — Бу сой бўйлаб баланд тоғ ёнбағирларига тизилишган қинғир-қийишқ уйли бир қишлоқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хотини бор, уйланган ёки эри бор, эрга теккан. Уйли йигит. Уйли хотин.

**УЙМАЛАНИШМОҚ** уймаланмоқ фл. бирг. н. Яна икки қўшини хотин ўчоқ бошида уймаланишади. Ойбек, Қутлуг қон. Ҳозир уйда Отабек бўлмагани учунми, нимадан бўлса ҳам, ҳар нечук Зайнаб ўз уйида уймаланишиб ётар .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**УЙМАЛАНМОҚ** 1 Бирор юмуш билан шуғулланмоқ, машғул бўлмоқ; ивирсиб юрмоқ. Бир оздан кейин Чўлиевой ака ҳалиги нарсаларни олиб кет-

ди ва яна эгатларнинг бошида уймаланди. О. Ҳусанов, Най.

2 Бирор жойда тўпланишиб юрмоқ, уймалашмоқ; ўралашмоқ; айланишмоқ. Пионерлар вожатий атрофида уймаланар эдилар. Гўштга пашиша уймаланади. — Изтиробдан қалтираган одамлар, ўз харобалари олдига тишларини қисиб жим уймаланардилар. Ойбек, Куёш қораймас.

**УЙМАЛАШМОҚ** айн. уймаланмоқ 2. Қироатхонанинг шашка-шахмат бўлимида бир тўда ўқувчилар уймаланиб, ҳеч кимга қарашмайди. Х. Нуъмон, Фасллар. Янги машинада тикиб кўриш учун Замон, Зўҳра, Ханифа унинг тепасида уймаланиб туришганди. Н. Назаров, Замон.

**УЙМА-УЙ** Уйдан-уйга кўчиб, барча уйларни айланиб; ҳовлима-ҳовли. Ўқитувчи ўйла-уй юриб, меҳмондорчилик билан кун кечира олмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Совақ хабар кирди уйма-уй, Бўрон туриб сел юрсанидай. Э. Раҳим.

**УЙМОҚ** Устма-уст қалаштириб бир ерга тўпламоқ; уюм ёки гарам ҳосил қилмоқ; йиғмоқ. Тошларни бир ерга уймоқ. Терилган пахтани уймоқ. Беда уймоқ. — Максим Максимович билан Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташланган бир ҳужрага олиб киришди. С. Аҳмад, Ҳукм. Қум босган ғўза ниҳоларини парварииш қилар, тагини юмшатиб, майин тупроқ уярдилар. Ш. Рашидов, Бўрдан кучли. | Устма-уст қўйиб кўтармоқ, қалаштириб қўймоқ. Зайнаб оёғи олтми, қўли етти бўлган ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтказиб, енига учта пар ёстиқни уйди. А. Қодирий, Утган кунлар. **ҚОВОҚ** уймоқ айн. **ҚОВОҚ** солмоқ қ. **ҚОВОҚ** П. Райком секретарининг қовоқ ўйиб, ер тағидан назар ташлаганини кўриб, бирдан унинг нафаси ичига тушиб кетди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**УЙ-РЎЗҒОР** Уй ва рўзғор ишлари, тирикчилик. Сораҳон ҳам уй-рўзғор туттишини ўрғанади. А. Қахҳор, Сароб. Уй-рўзғорга ҳам энчи: яхши кийнади, яхши ёйди. Ўн қўлиб, бир гапирди. Ойдин, Икки кўзи шунда. Ҳамма айни шу маҳалда уй-рўзғор иши ва кечки овқат билан банд бўлганидан гузарда ҳеч ким кўринмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**УЙСИЗ** 1 Уйи йўқ. Уйсиз одам. | Ўз уйи йўқ. Уйсиз кўёв.

2 Хотини йўқ, уйланмаган ёки эри йўқ, эрга тегмаган.

**УЙСОЗ** Уй қуриш иши билан шуғулланувчи; бинокор.

**УЙСОЗЛИК** Уй, бино қуриш иши билан шуғулланиш, бинокорлик. Тошкент уйсозлик комбинати.

**УЙКАШ** 1. Бир-бирига ниҳоятда яқин, ўхшаш. Менман бу, ўзбекнинг фахрий хўжаси, Уйкашга ўхшайди исми биз бир оз. А. Орипов.

2 Мос, монанд, уйғун; ярашган. Ўсиқ қоши ўткир қора кўзларига уй-

қаш тушган йигитга лаб жуфтладим. С. Нуров, Дурдона.

**УЙҚИ-ТУЙҚИ** диал. айн. айқаш-уйқаш.

**УЙҚУ** 1 Тирик организмда вақти-вақти билан содир бўлиб турадиган ва бундай вақтларда онг фаолияти қисман ёки бутунлай тўхтаб қолади-ган осоёишталиқ ёки дам олишнинг физиологик ҳолати. Қаттиқ уйқу. Ўнинг уйқуси зийрак. Уйқум келди. Уйқу арслонни ҳам йиқитар. Мақол.

— Ғулломжоннинг ухлаб қолганини ҳам, уйқусида ширин тушлар кўраётганини ҳам билмайди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Ҳамгина ширин уйқунинг беланчаида аллаланиётган эсанчилар дув кўтарилиди. Шухрат, Шинелли йиллар. **Маст уйқу** тўла ҳордиқ чиқариб, роҳат бераётган қаттиқ уйқу. Тўпанисо бир текисдан нафас олиб, маст уйқуда ётар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. **Ноз уйқу** қ. **НОЗ** 3. **Ўлим уйқу** унча-мунча ташқи таъсирга тез тарқалайдиган уйқу. **Қуш уйқуси** тез бошланиб, тез тарқаладиган қисқа уйқу. **Уйқу босди** уйқу сиқиб келди, уйқуси келди. **Адолат.. уйқу босиб**, кўзи юмилиб кетаётган пайтларида ҳам, тушига булоқ кириб, уйғониб кетарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Уйқу элти** жуда ухлагиси келди; ухлаб қолди. **Уйқуси ўчди** (ёки қочди) ухлай олмади. Кечаси ухломлади. Унинг қараоти гирич-ғирчидан онанинг уйқуси ўчиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. **Уйқуга кетмоқ** ухлаб қолмоқ. **Нигора балки уйқуга кетгандир**, балки ширин-ширин тушлар кўраётгандир. С. Анорбоев, Оксей. | Баъзи жониворларнинг қишда ёки ўзинга ноқулай мавсумда ҳаёт фаолияти кескин пасайиб, ухлаганга ўхшаб, бир жойда ҳаракатсиз қоладиган ҳолати. Қиш чилласида айиқлар уйқуда бўлади. Баҳорда қумурсқалар уйқудан уйғонади. | **Кўйма** Ўсимлик, дов-дархт ва ш. к.нинг қишқи қарахт ҳолати. Дарахтлар қиш уйқусида. Уйқудаги куртак.

2 **Кўйма** Нисбатан ҳаракатсиз, шовқин-суронсиз, тинч ҳолат. **Сарой қор-қоронғи**, тинч уйқуда, аммо бу тинчликни сарой отхонасидаги отларнинг курт-курт хашак чайнашлари ва атрофдаги хўрозларнинг қичқиримларига бузар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

♦ **Абадий уйқу** юқ. усл. Ўлим. Балки, абадий уйқудамисан, Саломат! С. Аҳмад, Ҳукм. **Летаргик уйқу** мед. организм ташқи муҳит таъсирини сезмайдиган, ҳушсиз бўлиб қоладиган, пульс ва нафас олиш ҳам сезилмайдиган даражада заифланиб кетадиган уйқуга ўхшаш касаллик.

**УЙҚУЛИ** Уйқу таъсирдаги, уйқу асорати бор, уйқу аралаш. Улар [қизлар] секин-аста туришиб, уйқули кўзларини ишқай бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Уйқули товуш билан сўқиниб, қалин дарахтлар ораси-

да зим-зиё тунда жанга тайёрландилар. Ойбек, Кўёш қораймас. Тун тонг отарга яқинлашган, унинг [Хасаналининг] уйқули мияси бу муаммони еча билмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**УЙҚУСИЗ** Ухламаган, бедор. *Уйқусиз тунлар Сергейни ҳаддан ташқари молдирган бўлса ҳам, у оромини ўйламади.* Х. Фулом, Машғал. || *Бирор одам унга узоқроқ қараб қолса борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ўтказарди.* С. Анорбоев, Оксой.

**УЙҚУСИЗЛИК** уйқусиз с. белги оти. Қобил хотинидан икки қадам нарида тўхтади-да, уйқусизликдан қизарган кўзларини Баҳрига қадаб: — Нега келдинг? — деб сўради. Х. Фулом, Машғал.

**УЙҚУСИРАМОҚ** 1 Ухлашни жуда истаб қолмоқ, уйқуси ёки ухлагиси келмоқ; мудрамоқ. *Уйқусираб ўтирмақ. Соқни уйқусираган кўзларини ишқалади.* — Бу ўйларни туютгандан кейин, унинг [Хасаналининг] кўзлари уйқусираб, юмла бошлаб, қаршисига Отабек келиб тўхтади. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ғайришуурий равишда бирор ҳаракат қилмоқ, гапирмоқ, йнғламоқ; алахламоқ. *Нима деб уйқусираётирсиз? — Бурчақда ётган бола уйқусирабми ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуш билан «ада!» — деди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Тун яримдан оғди... эшик қия оқиқ қолган шекилли, қўшини хонадан Умиджоннинг уйқусираб айтган гаплари қулоққа чалинди.* Р. Файзий, Гўзал.

**УЙҚУСИРАШМОҚ** уйқусирамоқ фл. бирг. н.

**УЙҚУТОБ** рвш Уйқуга мойил, уйқу элтаётган. *У [Элибек] қулоқини ёзди, сал кайф ва ширали хаёл билан уйқутоб бўлиб келётган юз-кўзига аёз совуғи ёқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**УЙҚУЧАН** айн. уйқучи. *Уйқучан бола.*

**УЙҚУЧИ** Кўп ухлайдиган, серуйқу. *Пўлат билан Нортот бўлса унга [Шухратга] уйқучи лақабини тиркашибди.* К. Раҳим, Олтин балиқ.

**УЙҚУЧИЛ** 1 диал. Уйқучи.

2 кам қўлл. Уйқучи келтирадиган. *Боғларда гарчи уйқучил жимлик, Аммо парклар-чи: Шовқин, гавжумлик.* Шайхзода.

**УЙҒОНИШ** уйғонмоқ фл. иш оти. *Қуртакларнинг уйғониши даври.* Мехр уйғониши. — [Хасанали] эрталаб Ойбодоқнинг чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Элмурод.. аслар бўйи гафлатда ётган кишиларнинг уйғониши бу одамда қувонч тугдирётганини кўрди.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Уйғониш даври тар.** 14—16 асрларда буржуазиянинг феодалларга қарши кураши жараёнида юзага келган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаракат; ўрта асрлардаги узоқ турғунликдан сўнг, фан ва санъат тараққиёти

ҳамда улуг кашфиёт ва ихтироларда ўз аксини топган ва антик маданиятга қизиқиши кучайган давр.

**УЙҒОНИШМОҚ** уйғонмоқ фл. бирг. н.

**УЙҒОНМОҚ** 1 Уйқуни тарк этмоқ, уйқудан турмоқ. *Фуломжон чўчиб уйғонди-ю, теварагига аланглаб қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гўё муздай сув сепинди-ю, Киз уйқудан сапчиб уйғонди.* Т. Тўла. | Қишда кескин пайсан ҳаёт фаолиятини тикламоқ, нормал ҳаёт фаолиятига кўчмоқ. *Совуқ юмшаб аймқлар ҳам уйғона бошладди.* Баҳорда қумурсқалар уйқудан уйғонади. | *Кўчма Амалга кирмоқ, амал олмоқ (ўсимлик ҳақида).* Дарахлар уйғониб қолибди. — *Янги уйғонган ям-яшил барглар билан ясанган дарахлар қўёш нурида чўмилиди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *Кўчма* Ҳаракатга келмоқ, қўзғалмоқ. *Бутун шаҳар уйғонди.*

3 *Кўчма* Пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ, қўзғалмоқ (ҳис, туйғу ва ш. к. ҳақида). *Унда адабиётга қизиқиш уйғонди.* — *Буни кўриб Сидиқжоннинг қалбида ҳувонга нисбатан ҳар қандай ғараздан холи бир меҳр уйғонди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. *Элмуроднинг кўнелида бу йиғитга ҳеч бир самимий дўстлик туйғуси уйғонмас эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

4 *Кўчма* Онги ўсиб, эрк, озодлик ва ҳуқуқ учун курашга интилмоқ, отланмоқ. *Уйғонди кенг жаҳонда Зулматда ётган элар.* И. Муслим.

**УЙҒОТИЛМОҚ** уйғотмоқ фл. мажҳ. н. *Домла кўққисдан уйқудан уйғотилган шикдай идроксиз ҳаракат қилар, аммо ишқарига кирмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**УЙҒОТИШМОҚ** уйғотмоқ фл. бирг. н. **УЙҒОТМОҚ** 1 Уйқусини бўлмоқ, уйқусини тарк эттирмақ; турғизмоқ. *Қушларнинг шўх овози мени Уйғотади тонг чоғи.* И. Муслим.

2 *Кўчма* Пайдо қилмоқ, ҳосил қилмоқ; қўзғатмоқ (ҳис, туйғу ва ш. к. ҳақида). *Устозим менда машинага меҳр уйғотди.* Х. Назир, Механизатор. *Бу қўшиқ шунчалар ёқимли, ширали эдики, темирчи йиғитнинг юрагида аллақандай бир ҳисни уйғотиб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм. | Онгини ўстириб, ўз эрки, ҳуқуқи учун курашишга йўлламоқ, қўзғатмоқ. *Жаҳон капитализми ва 1905 йилги рус ҳаракати Осмёни таломан уйғотди.* В. И. Ленин, Осмёнинг уйғониши.

**УЙҒОТИРМОҚ** уйғотмоқ фл. орт. н. *Онаси «тинч ухласин, ортиқ уринмасин» деб, [Кумушни] бугун номозга ҳам уйғоттирмаган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**УЙҒОҚ** 1 Ухламаган; уйқуни тарк этган; уйғонган. *Уйғоқ бола.* — *Чирокнинг сарғиш шўғласида унинг ранги кетган, кўз остлари ичига торган, уйғоқ бўлса ҳам, ўзини жўрттага уйқуга солиб ётгандай кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

2 *Кўчма* Сезгир, сергак, хушёр. *Одим ташлаб борар Ойжамол, Салом берди уйғоқ, қоровул.* Ё. Мирза. «*Қиёв-қиёв турналар, Уйғоқ, хушёр турналар.* Сағина настилаб учинг, Бизга кўз ташлаб учинг. Э. Раҳим.

**УЙҒУН** 1 Тўғри, монанд келадиган; мувофиқ, муносиб, мос. *Унинг барча ҳаракатлари жисмига жуда уйғун.* Талаффузи билан уйғун ёзув. Тилига уйғун дили. — *Мажозий қилиб айтганда, дейиш мумкинки, ҳозир ер юзида вақт коммунистик соатга уйғун бўлиб юради.* Шайхзода.

2 Уйғунлашиб кетадиган, ҳамоҳанг. *Қуйга жуда уйғун тушган овоз.*

3 Уйғун (эркаклар исми).

**УЙҒУНЛАШМОҚ** Бир-бирига монанд бўлмоқ, мос келмоқ, мувофиқлашмоқ; ҳамоҳанг бўлмоқ. *Ўсимликлар янги иқлимга уйғунлашиб қолди.* — *Баъзи қўшиқларда, қўшиқ шеърини музыка, баъзиларида эса музыкага шеър уйғунлашмайди.* У. Рашид, Қўшиқчиликда маданият бўлсин.

**УЙҒУНЛАШТИРИЛМОҚ** уйғунлаштирмоқ фл. мажҳ. н.

**УЙҒУНЛАШТИРМОҚ** уйғунлашмоқ фл. орт. н. *Планларни бир-бирига уйғунлаштирмоқ.*

**УЙҒУР** қ. уйғурлар. *Уйғур аёли.* *Уйғур тили.* *Уйғур халқи.*

**УЙҒУРЛАР** Ғарбий Хитойда, шунингдек Ўрта Осмёнинг баъзи районларида яшовчи туркий тилда сўзлашадиган халқ, уйғур халқи.

**УЙҒУРЧА** 1 Уйғурларга, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид, уйғурларга хос. *Уйғурча рақс.* *Уйғурча қўшиқ.*

2 Уйғур тили. *Сен уйғурча(ни) биласанми?* || *Уйғурча гапирмоқ.*

**УКА** 1 Бир ота-она ўғилларидан кичиги (катта ёшдаги фарзандларга нисбатан). *У отасидан йиғирма ёшда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўзидан ёш эр кишига мурожаат формаси. *Қаердан келгансиз, ука?* П. Турсун, Уқитувчи. [Сафар бўзчи:] *Ахир бировни ука, бировни ака деб сиз ҳам тузукроқ ишга қайишинг-да, тақсир.* А. Қодирий, Мехробдая чаён.

**УКАЛИК** ука с. мавҳ. от. **Укалик қилмоқ** ука бурчини ўтамоқ, ука ўрнида хизмат қилмоқ, ёрдам бермоқ.

**УККИ** Бойўғиллар туркумига мансуб, йиртқич тун қуши. **Укки кўз** 1) чақчайган кўз; 2) чақчайган кўзли киши. *Чорпояда ўтирган чўққи соқол, укки кўз, чўзиқ юзли бир чол улфати узатган пиёлини ола туриб секин сўради.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**УҚЛАД** [р] 1 эк. Ижтимоий-иқтисодий формация хўжалигининг асосий формаси. *Ернинг эркин суратда ижарага олинishi ва ижарага берилиши.. буржуа иқтисодий уқлади-нинг талабларига мувофиқ келади.* В. И. Ленин, «Мехнаткаш» деҳқонлар ва ер олди-сотдиси.

2 Киши ҳаётининг хўжаникнинг

бирор соҳасида, умуман бирор жойда ўрнатилган ёки жорий қилинадиган тартиб. Ҳозир шундай пайт келдики, деҳқонлар онели суратда рус турмушининг янги укладини яратувчилар бўлиб майдонга чиқадилар. В. И. Ленин, Пролетариат ва деҳқонлар.

**УКОЛ** [р] Баданга, тери остига шприц воситасида суюқ дори юбориш. Стол устида шприц қутиси очик турар ва дори ҳиди анқирди — врач укол қилиб уни бир оз ўзига келтирганди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**УКПА** махс. Майин юпка чарм. Қўнжи уқна, юзи тошдан қаттиқ қўпол чарм билан қопланган. Этикани кийди. Ойбек, Қутлуг қон. || Белларини фўталар билан боғлаган, бошларида оддий телпак ва оёқларида уқна этик бўлган йигитлар югурардилар. Айний, Эсдаликлар.

**УКПАР** Укки паги (одатда болалар кийимлари, асосан бош кийимини, безатиш учун унга чашиб қўйлади). Аксар хотинларнинг олди-орқаси тўла, катта-кичик, ясанган-тусанган, укпар таққан болалар. Ойбек, Қутлуг қон.

**УКРАИН** қ. украинлар. Украина тили. Украин халқи.

**УКРАИНЛАР** Украина ССРнинг туб аҳолисини ташкил этувчи шарқий славянлар группасига мансуб халқ; украин халқи.

**УКРАИНЧА** I Украин халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид; украинларга хос. Украинча куй. Украинча кийим.

2 Украин тили. Сен украинча(ни) биласанми? || Украинча гаплашмоқ.

**УКРОП** [р] Зиравор сифатида ишлатилган, хушбўй кўкат; ошкўк.

**УЛ** (у — чўзиқ) диал. Ўғил. Бежой билдим тўрам, Ёдгор улингни, Аймоқнинг юртига талаб қилибди; Қандай жўнатасан жону дилингни?! «Ёдгор». Армон билан мен улдан айрилдим дер, Қетанингни, болам, билмай қолдим дер. «Равшан».

**УЛ** эск. айн. у II. Ой билан ошно бўлиб, йилларча ўйланг ул билан. М. Муҳамедов, Гавҳар. Югуриб чиққан ул мушфиқ онамларга салом айтинг. Ҳамза.

**УЛАГИЧ** Нарсаларни бир-бирига бириктириш, улаш учун ишлатилган восита. Шиша бўлаклари, одатда, бир-бирига қўрғошнинг қилинган улагичлар ёрдамида уланади. М. Аминжонов, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.

**УЛАЙ-БУЛАЙ** с. т. Турли хил важа, баҳона. [Мамат Холисхонга:] Азар улай-булайинг бўлса, айт ҳозир! Ҳам сенинг, ҳам Ёдгорнинг, ҳам у кишининг ишини барабар қиламан. Ҳамза, Паранжи сирлари. Бойлар қишлоқнинг бир хил каттаконлари билан чиқишиб, ҳукуматдан қўрқмай, улай-булай қилиб, камбағал батракни ишлатиб турди. Эргаш шоир.

**УЛАМА** Бириктириб, улаб қў-

йиладиган, уланган. Улама соч. Улама киприк. Улама оёқ. — Унинг пиджаги билан галстуги стул суянигига осиб қўйилган; кўйлагининг улама ёқаси яринига қийшайиб тушган, олдида ёзиб-чишиб ташланган қоғоз тахланиб ётибди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**УЛАМО** [а] I эск. кт. Олим; олимлар. — Дуруст, мянзг тўлибди, — деди кулиб Тантубойвачча, — ақим ўртада унча-мунча уламони бир чўқишда қочирасан. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Шарият қонунларини, диний, билимларни мукаммал биладиган мулла. Маъдалихонга фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари.. қочиб қутулдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. — Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир, — деди қалтираб, бўзариб мунофиқлардан бири. Ойбек, Нур қидириб. | Мусулмон руҳонийларнинг олий мансаби табақаси. Дастлаб Исроҳилжўза, сўнгра уламо ва умаролар, барча аъёнлар муборакбод қилдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**УЛАМОЛИК** уламо с. мавҳ. от. Мулла Абдураҳмон Қўқон сафарига ҳозирланаркан; кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шухратига, муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**УЛАМОҚ** I Ип, арқон, тасма ва ш. к. нарсаларнинг учларини бир-бирига боғлаб, тикиб бириктирмоқ. Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетаверман. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. — Шошманглар, шошманглар, — деди дуторнинг ишини улаётган Мели полвон. П. Турсун, Ўқитувчи. Даҳлизда Ҳасанали узилган от асобларини улаб тикар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор йўл билан учларини ўзаро туташтириб, қўшиб маҳкамлаб қўймоқ. Соч уламоқ. Электр симини уламоқ.

2 Бириктирмоқ, қўшмоқ. Алло, менга Бекободни улаб беринг. Т. Алимов, Хушбичим йигит.

3 тех. Металл қисмларни эритиш, кавшарлаш йўли билан ёпиштирмоқ. Темир листларни уламоқ. Трубаларни уламоқ.

4 қ. х. Пайванд қилмоқ. Гилосни олчага уламоқ. Наъматакка атиреулни уламоқ.

5 кўчма Биридан кейин бошқасини қўшиб, узлуксиз давом эттирмоқ. Ишни ишга уламоқ. Куйни куйга уламоқ. Кунни тунга уламоқ. — У ҳар тўғрида тинимсиз гапириб, гапни гапга улаб юборди. О. Ёқубов, Тилла узук. Онаси гапдан гап чиқариб, сўзга сўз уламоқчи эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Низомжон] кечалари юдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнелига аллақандай юпанчи изларди. С. Аҳмад, Уфқ.

◆ Узиб уламоқ қ. узмоқ.

**УЛАНМОҚ** уламоқ фл. мажҳ. н. Ип илга уланди. Гап гапга уланди. Урикка олхўри уланди. — Қарсақ кетига қарсақ уланди. С. Зуннунова, Гулхан. Чгаалнинг.. иккала учи топилиб, бир-бирига уланди. Х. Гулом, Машъал.

**УЛАР** I у II с. кўпл. ф.

**УЛАР** II Қирғовуллар оиласига мансуб йирик тоғ қуши.

**УЛАТИЛМОҚ** улатмоқ фл. мажҳ. н. Трубалар улатилди.

**УЛАТМОҚ** уламоқ фл. орт. н. Симни симга улатди. Олчага гилос улатдим. — Минибсан жийронкуш отинг туллатиб, қуйсанларнинг гапни илга улатиб. Эргаш шоир.

**УЛАШИЛМОҚ** улашмоқ II фл. мажҳ. н. Ярим соатлик бир фурсатдан кейин қўрғоннинг бошидан-оёқ ясов тортган мудофеларга иштомлар улашилди битди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УЛАШИШМОҚ** улашмоқ II фл. бирг. н.

**УЛАШМОҚ** I I уламоқ фл. бирг. н. Болалар ипларни улашди. Монтёрлар электр симларини улашди. Хотинлар гапни-гапга улашди.

2 уламоқ Б фл. ўзл. н. Гаплар гапга улашди.

**УЛАШМОҚ** II Бўлиб бермоқ, тақсимламоқ. Ҳайри опа болаларга яримтадан, катталарга биттадан кулча улашиб, иккитадан ёнғоқ берди. Ойдин, Ямоқчи кўчди. [Мирзакул:] Билёакс, бой отам ер ошиб, янги ариқ чиқармоқчилар. Деҳқонларга ер улашиб элни обод қилмоқчилар. Н. Сафаров, Уйғониш. Қишлоқ тарихида биринчи қурилган кўркам мактабнинг катта байрамга айланган тантанаси шайдоғайрат кўрсатганларга муқофотлар улашини билан тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**УЛАШТИРМОҚ** I улашмоқ I фл. орт. н. Қосимов ҳозир пайти эканини ўйлаб, гапни бир-бирига улаштириб кетди. Х. Нуъмон, Фасллар. Бу бинони ким қурган, Қўқ билан улаштириб? Қоматин бўл ўхшатган, Устаси келиштириб. Қ. Муҳаммадий

**УЛАШТИРМОҚ** II улашмоқ II фл. орт. н.

**УЛАШ-УЛАШ** рощ, с. т. Талон-тарож билан тарқатиш. Жамоат мулкани улаш-улаш қилишга қарши қурашмоқ.

**УЛ-БУЛ** айн. у-бу. [Камчи:] Кўнелинг бирор нарса тусайдими? Ул-бул ола келайми? Х. Гулом, Машъал.

**УЛГИ** фольк. Бошқалар ҳавас қиладиган, тақлид қиладиган ҳаракат; ўрнак, намуна. Улги бўлмоқ. Улги олмақ. — Улги бўлди учқур от қарчиғаю лочинга. «Қўшқлар». Шамолнингга оқар дарё музлаган, Қарчиғайдан улги олган бедовсан. «Нигор ва Замон».

**УЛГУРЖИ** I Бутун борича; кўнмиқдорда; кўтара. Улгуржи савдо. || Улгуржи олмақ. Улгуржи сотмоқ. — Доналаб сотдим. Бу ерда улгуржи

оладиган киши йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Катта миқдорда, катта суммага эга; салмоқдор. Улгуриши ҳосил. Магазинга улгуриши мол келди. — Пулини фойдага қўювчи судхўр хиндлар.. улгуриши савдони кутардилар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ҳеч қаерда бундай улгуриши ғанимат учрамади. А. Қаҳҳор, Башорат.

3 Бошдан оёқ, бутунлай. Улгуриши ремонтдан чиқармоқ.

**УЛУГУРИШ** I улгурмақ фл. иш оти. 2 Дарсларни ўзлаштириш, берилган билимни эгаллаб олиш, етиб олиш. Бу синфда улгуриши юз процент.

**УЛГУРМОҚ** I Бирор ишни бажаришга имконият, вақт топмоқ, муваффақ бўлмоқ, бажара олмақ, эришмоқ. Ёлғиз баъзи бир чаққонларгина йўл устида, этикларини нари-бери ечиб, сувини силқитмоққа улгурдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. [Бўронов:] Утиб кетаётган машинани тўхтатмоқчи бўлдим, улгура олмадим. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Берилган билимларни тушуниб, эгаллаб олмақ, ўзлаштирмақ. Синфимизда улгурмайдиган ўқувчилар йўқ.

**УЛИ:** ули тортмоқ айн. ув тортмоқ қ. ув. Ундан-бундан яқин қишлоқларда итларнинг яқовлик билан ули тортгани.. қўлоққа чалинади. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.—Аллаким ули тортиб йиғлаёттир,— деди саройбон. М. Осим, Элчилар.

**УЛИМОҚ** I айн. увламоқ. Яқиндаги, чироқ милтираб турган қўрғонда ит улиди. С. Аҳмад, Хукм. Кум барханлари орасида қашқирлар улиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УЛИМОҚ** II диал. Яллиғланмоқ (оғиз шиллиқ пардаси ҳақида). Боланинг оғзи улибди.

**УЛИШМОҚ** улумоқ I фл. бирг. н. Оқолардан ёв чиқади Оч бўридай улишиб. Ҳ. Олимжон.

**УЛКАН** I Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик, жуда катта, буюк. Улкан бино. Улкан дарахт. Улкан дарё. Улкан қурилишлар. — Минг йил чақмоқ чақсин, улкан тоғ гердаиб тураверди.— деди Бектемир қатъий. Ойбек, Қуёш қораймас. Ана шу зайлда ойлар, йиллар, қандайдир бир улкан денгизга қўшилишини истаган ирмоқлардай, шилдираб оқиб ўта бошлайди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Катта кўламда амалга оширилаётган. Улкан ишлар. Улкан қурилишлар.

3 кўчма Мазмун, мундарижа жиҳатидан катта, йирик. Улкан асар. — Зийнатуллаевнинг қўлида зўр ҳақиқат бўлиб кўринаётган нарсаси аслида улкан ҳақиқатдан узиб олинган бир ҳақиқатча эканини у энди аниқ кўриб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

4 Хурматли, эътиборли; улуг. Улкан ёзуви. Улкан оқин. — Қариндошим, туғишқоним улкан қозоқсан ўзинг. Ф. Ғулом.

5 Аҳамияти катта, муҳим. Улкан

ютуқлар. Улкан воқеа. — Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилгани каби, катта-кичик муваффақиятлар жам бўлиб, улкан йутуқлар таркиб топади. «К. Ўзбекистон», 1959, № 183.

**УЛКАНЛАШМОҚ** Ғоят катталашмоқ, йириклашмоқ. Қорхонанинг даргоҳи кенгайиб, фабрикалари, цехлари улканлашибди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**УЛОВ** I уламоқ фл. иш оти.

**УЛОВ** II Миниб юриладиган хайвон. Реизстон олдидан ўтадиган йўловчилар уловларидан тушиб, арқ дарвозасига қараб таъзим қилар.. эдилар. Айний, Қуллар. | Умуман ишчи хайвон. Сувинг бошида бўладиган бақақуруллоқликлар ҳам ўзи ёки уловининг жонини қойитгаис келмас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ Уловига яраша тушови қ. тушов.

**УЛОВЧИ** I уламоқ с. иш оти.

2 т. й. Вагонларни бир-бирига тиркаб, улаб қўйиш ва ажратиш иши билан шуғулланувчи ишчи.

**УЛОҚ** I I сфрт Турли йўл билан (боғлаш, тикиш, елимлаш, кавшарлаш, михлаш ва ш. к. билан) ўзаро туташтириб, маҳкамлаб бириктириб қўйилган, уланган бир неча бўлакдан иборат, яхлит эмас. Улоқ арқон. Улоқ дастурхон. Улоқ сим. Улоқ туңука.

2 от Нарсанинг бўлаклари ўзаро уланганда ҳосил бўлган туғуни ёки чоки, уланган жойи. Арқоннинг улоғи. Парданинг улоғи. Электр симининг улоғи. Тунуқанинг улоғи. | Ямоқ. Кўрпага улоқ солмоқ.

**УЛОҚ** II Эчки боласи. Ҳозир юзлаб майин жунли қўзи ва улоққа эгамиз. С. Анорбоев, Оқсой.

**УЛОҚ** III I спорт. Ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-бирдан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат спорт мусобақаси; кўпқари. От боққанинг — улоққа, қўй боққанинг — қўноққа. Мақол. — Улоқда отдан йиқилиб боши ерилган, қўл-оёғи синган чавандозлар инқиллашиб ётмоқда. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. Ҳимматнинг звеносидаги йиғитларнинг иккитаси фронт кўрган,.. қолганлари улоқларда соврин олган йиғитлар эдилар. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Улоқ чопмоқ улоқ мусобақасида қатнашмоқ. Ҳар йили даромад тўйига пешанасини танғиб улоқ чопадиган Болтабой учун қийин кунлар бошланди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Шундай спорт мусобақасида ўртага тикилган — сўйиб ташланган эчки ёки бузоқ. [Қамбар:] Улоқ олиш учун чавандоз бўлиш керак, укам Обиджон! Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЛОҚМОҚ** Узоқлашиб кетмоқ. Илдай тизилиб, мунчоқлари узлиб, бир хили қонди улоқиб. «Равшан».

**УЛОҚТИРИЛМОҚ** улоқтирмақ фл. мажҳ. н. Кўтаришган йиғитларнинг

аксари юксакдан тошдай улоқтирилдилар. Ойбек, Навоий. Созандалар уйдан қувилбди, кетларидан музыка асбоблари бирин-кетин улоқтирилибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**УЛОҚТИРМОҚ** I улоқмоқ фл. орт. н. Бир хилга кўп подани боқтирган, Ёки тоққа, ё чўлга улоқтирган. Эргаш шоир.

2 Бирор томонга отмоқ, итқитмоқ. Дубов бир онда ишшани бўшатиб, четга улоқтирди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ертўладан чиққиси билан дори-ни улоқтириб ташлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Келин қаламни улоқтирди, оёқ яланг кўчага югурди. Ойдин, Олтин узукка олмас кўз.

**УЛОҚ-УЛОҚ** I Улоқлардан иборат, ямоқлари кўп; қуроқ. Улоқ-улоқ арқон.

**УЛОҚ-УЛОҚ** II: улоқ-улоқ қилмоқ ҳар томонга тортқиламоқ, талаймоқ, талашмоқ. Улоқ-улоқ бўлмоқ ҳар томонга тортқиламоқ, талашмоқ. Бўлайин улоқ-улоқ, Кўксимда унсин булоқ, Чўчитолмас, дор, сиртмоқ! Ё. Мирза.

**УЛОҚЧИ** Улоқ мусобақасида қатнашувчи киши; чавандоз. Улоқчи йиғит. — Бу чол Гулистондагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.— Маҳкамбойичанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! — деди Собир тегиримончининг ўғли. А. Қодирий, Улоқда. Улоқчи от улоқ мусобақасида қатнашадиган от. Бошқа шунча аравакши отлар туриб, келиб-келиб менинг бирдан-бир боқиб қўйдан улоқчи отим билан сув ташийсанларми, падар лаънатилар! Ф. Ғулом, Шум бола.

**УЛОҚ-ҚУРОҚ** Турли лахтаклардан улаб қуралган; улоқ-улоқ. Улоқ-қуроқ кийим.

**УЛТОН** диал. Қорамол терисидан тайёрланган чарм; тагчарм. Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл. Мақол.

**УЛУМ** [а] кт. Илмлар, билимлар. Улум, фўнунининг қадр-қийматини билган ота.. фарзанд аржимандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган. Ойбек, Навоий. Жомнул улум айн. жонли энциклопедия қ. энциклопедия.

**УЛУС** [мўғ] I тар. Ўрта Осиёда йирик феодал давлат. Чигатой улуси.

2 эск. Халқ, халойиқ. Халқларга бош бўлди паҳлавон руслар, Совет эли бўлди барча улуслар. Ф. Ғулом. Навоий она ватани, ўз улуси, ўз тилини дилдан севар эди. А. Қаюмов, Шейрият султони.

**УЛУШ** I Тақсимланадиган нарсанинг бирор кимсга тегадиган ёки тегишли қисми, бўлаги; ҳисса. Тўранинг улшини эса маҳрами аравада ташиб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм. Бу кунгача ҳар икки бригадир ўз улусига тушган вазифани бажариб, содда қилиб айтганда, ўз аравасини тортиб келишарди. Ҳ. Нуъмон, Мехр.

2 Бирор катта ишга қисман сарф этилган, дўшган меҳнат; ҳисса. *Сен ота-боболар қолдирган яхши анъаналарни авайлаб асраганинг ҳолда янги коммунизм асри ғалабаларига ҳам арзиғулик улуғ қўшимқодасан.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Жумасул.. бировларнинг кирини ювиб, нонини ёпар, рўзгорни тебратилишга ўз улуғини қўшарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Маълум хўжаликка ажратилган ер майдони. *Энди ҳар ер ҳам менга бир улуғ!* Туйғун, Зулфизар. *Бой ва тўралар ўзига тушган улуғни қадирлиш учун деҳқонларини юборардилар.*

Ж. Шарипов, Хоразм.

**УЛУҒ 1** Эғаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк. *Келтирганлар иккинчи боғлаб. Ташлаганлар улуг дарёга, Рахна солиб севги — савдога. Ғайратий. Хотин.. асл ўрданинг улуг, мухташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўндоғи айри йўлга бурилади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Пага-пага ёғар, эди қор, Бир салзобат улуг шаҳарда.* Е. Мирза.

2 Ҳар томонлама ортиқ, устун; қудратли. *Э, улуг Совет ватанининг соҳибқирони, бос тепкини! А. Қаҳҳор, Бос тепкини. Бу — улуг халқ исёни.* Ойбек, Қутлуг қон. *Мамлакатимиз поёнсиз, давлатимиз улуг, халқларимиз ҳамдил, ҳамжиҳат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўзининг муваффақияти ва моҳияти билан ажралиб турадиган; муҳим. Марксизм — ягона илгор, ҳақиқатчи улуг таълимот.* Ойбек, Нур қидириб. *Бизнинг элимизда она Ватанга хизмат қилишдан улуг ва шарафли бурч йўқ.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

3 Беқийс талантли, истеъдодли, қобилиятили, буюк. *Улуг ёзуви. Улуг олим. Улуг шоир.* — *Аҳмад Хусайн улуг совет шоири ҳақида кўп эшитган бўлса ҳам, уни ўқимаган эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Инсониятга қилган зўр хизмати ва қобилияти билан машҳур бўлган. Ҳаёт тантанасини барпо этган улуг доҳийа мадҳия.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Айтинг-чи, муллака, ҳалиги улуг зотлар дунёдан қачон ўтган экан ўзи?* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ғоят тантанали, улугвор. *Минг йилларнинг дебочаси, Улуг тўйинг муборак.* Ғ. Ғулом. [Чол:] *Йўлчибой эр ўғли — эр эди, у бошқа оламдан эди. Лекин ўлими ҳам улуг бўлди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Улуг айём байрам кунлари, шодиёна кунлар.*

5 (эалик ёки кўплик қўшимчаси билан) с. т. Мансабдор, бошлқ, катта. *Ҳар нарса бўлганда ҳам улугимиз деб сийлаб турган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Умурзоқ:] *Бир томондан юртнинг улуглари, ҳазратларидан тортиб восита бўлган. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

6 Улуғ (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**УЛУҒВОР 1** Савлат тўкиб турадиган, салобатли; мухташам. *Улугвор*

*гавдали, серсоқол, кўзойнак остидан айёрони кулиб қаровчи бир киши сўз олди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Кўп ва катта мақсадларни ўз ичига олган; буюк. *Коммунистик қурилишининг улугвор программаси.* — *Коммунистлар партияси ва унинг улугвор ишлари мени ҳаминша илҳомлантириб келди.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

3 Хурматлашга, олқишга сазовор; юқори даражадаги; улуг, олижаноб. *Улугвор мақсад. Улугвор орзу.* — *Қай хунарга тушса ишқим, мен дадил қўйдим қадам, Топдим имкон етгали, касбнинг улугвор ишқиди.* С. Абдулла.

**УЛУҒВОРЛИК** улугвор с. белги оти. *Бинонинг улугворлиги. Режаларнинг улугворлиги.* — *Қора атлас ҳамма қизларга ярашади. Маликага эса, у халиб салоҳида ҳусн, малоҳат ва улугворлик бағишларди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

**УЛУҒЗОДА** Юқори мартабали улуг кишининг фарзанди. *Сен девонанинг боласи дебмидини, у ҳам поёнининг боласи, бир улугзода.* «Равшан».

**УЛУҒЛАМОҚ** Хурматга сазовор, эътиборли одам даражасига кўтармоқ; хурматламоқ, эъзозламоқ. *Меҳнат кишини улуглайди.* — *Жўралар уни улуглаб жўрабошилиқни топширганлар.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги. *Ҳурмат нэхор этиб мақтамоқ. Ғулом Абдураҳмонов қўйиқ билан пойтахтни улуглайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**УЛУҒЛАНМОҚ** улугламоқ *фл. мажҳ.* н. *Инсон ўз меҳнати билан улугланади.*

**УЛУҒЛАШМОҚ** улугламоқ *фл. бирг. н.*

**УЛУҒЛИК** улуг с. белги оти. *Табиат ичра инсонлар улугдир, Улуглик меҳнати билан тўлуғдир.* Ҳабибий.

**УЛУҒСИФАТ 1** Кўриниши улугвор, салобатли, серсавлат. *Йўлқика кирганидан сўнг ўзини дадил тутди, ҳатто икки томондаги қатор кетган эшикларнинг биридан чиққан улугсифат бир одамдан Кенжанинг қайси уйда эканини тортинмай сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Арслон] *улугсифат, ёқимтой, меҳрибон устод.* К. Яшин, Тор-мор.

2 Ўзини оғир, яхши тутадиган; ўзига хурмат уйғотадиган. *У сокин, камтарин, муомалада нозик, лекин улугсифат.* Ойбек, Навоий.

**УЛУҒСИФАТЛИК** улугсифат с. белги оти. [Салимжон] *ўзининг обрўйи, улугсифатлигига қарамай, такаббур эмас, дилкам, кўнглида кири йўқ, инсониятпарвар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**УЛФАТ** [a] 1 Сухбат, зинфат ва ш. к. да бирга бўладиган кишилар орасидаги дўстлик, ўртоқлик муносабатлари; улфатчилик. *Улфати чор айн. улфат 1. Улфат курмоқ бир неча кишилар бириктиб, ўзаро сухбат курмоқ, дўстлашмоқ, иноқлашмоқ. Донгдор мукулмон бойлари, бойваччалари билан улфат курди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Сухбат, зинфат ва ш. к. да бирга бўладиган кишилардан бири (бошқаларига нисбатан); ҳамсухбат, дўст, жўра. *Қишининг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ёйишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Улфатларнинг учинчиси чўтир киши бўлиб, қолганини ғоз тутиб, хотиржам ўтирарди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. | *Энг яқин, сирдош ўртоқ; дўст. Нодонга улфат бўлган қон ютар.* Мақол. — *Абдураҳмонбой ўз кўрасининг айёнида улфати Раҳим домла билан чой ичишиб ўтирибди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

3 Гап ва ҳаракатлари билан ҳамсухбатини хурсанд қиладиган, суҳбати ширин, хушчақчақ. — *У одам [Қосимов] жуда ҳам улфат йиғит экан-да! — деди Маҳкам ака.* О. Ёкубов, Ота изидан. *Тахтамуллик Собиржонни Таниб эдим мен Бокудан, Зап чавандоз, микти, жонли Хосиятчи улфат жуда.* Шайхзода. | *Дўстлар суҳбатини, улфатчиликни яхши кўрадиган, бировни хурсанд қилишга тирishaдиган.* [Фарғонанинг] *кишиларини айтиши: хушчақчақ, улфат. Меҳмон деса жонини бериб юборди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

4 Улфат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**УЛФАТЛАШМОҚ 1** Ўртоқ ёки ошна бўлиб қоломоқ; иноқлашмоқ; дўстлашмоқ. *Бора-бора жинни мени танийдиган бўлди, улфатлашди.* Айний, Эсдалниклар.

2 Улфатчилик қилмоқ, суҳбатлашмоқ. *Авазхон Замон билан бир улфатлашайлик деб келса, Замон кулбасида йўқ.* «Нигор ва Замон».

**УЛФАТЧИЛИК 1** Улфатлар йиғини, зинфати; улфатлар давраси. *Кўёв келиннинг қабрига етмай, улфатчиликларга берилади.* П. Қодиров, Уч илдиш. — *Ичине, маликам, қўйинг беҳудал, бефойда гапларни.. келинг улфатчилик қилиб ўтирайлик, — деди бой Зумрада.* Ойбек, Улуг йўл.

2 Дўстларга, улфатга хос муносабат; дўстлик, ўртоқчилик. *У билан улфатчилигимиз бор.*

**УЛЬТИМАТИВ** [р ультимативный] Ультиматум характерига эга бўлган; қатъий. *Ультиматив талаб. Ультиматив шарт.*

**УЛЬТИМАТУМ** [р<лат] Халқаро дипломатик муносабатларда ёки урушда энг қаттиқ чоралар қўрилаётганини эслатиб қўйиладиган қатъий талаб.

**УЛЬТРАБИНАФША** [р+ф-т]: ульт-рабинафша нурлар физ. спектрада би-нафша нурдан кейинги кўринмайдиган нур.

**УЛЬТРАТОВУШ** физ. Жуда юқори частотали тебраниш билан ҳосил бўладиган, одам қулоғи эшитолмайдиган товуш. *Ультратовуш тўлқинлари.*

**УЛЬТРАҚИСКА:** ульт-рақиска тўлқин тўлқин узунлиги 10 метрдан кам электромагнит тўлқинлар (телевидение, радио алоқа ва ш. к. да қўлланилади).



**УЛҒАЙИШМОҚ** улғаймоқ 1 фл. бирг. н. Болалар ота меҳри чашмасидан баҳра олиб, она бағридадек безавол улғайишди. Э. Охунова, Меҳр чашмаси.

**УЛҒАЙМОҚ** 1 Балоғатга, вояга етмоқ, катта бўлмоқ. Уғлим улғайиб қолди. — Бизлар хушчақчақ авлод — Дунёда энг бахтиёр, Улғамиз яйраб, шод. И. Муслим. Ёши улғайган анча ёшга борган, қари. У кишининг ёшлари анча улғайган бўлса ҳам, лекин ҳали жуда тетиклар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ, ортмоқ. Отабекнинг юзидаги ўйчанликка разм кўйган сайин, Офтоб ойимнинг ҳалиги шубҳаси улғая борди. А. Қодиррий, Утган кунлар. | Кўпаймоқ. Иш улғайиб, қўл бўшамай қолди. — Бу гап думалатилган қор уюмидай кун сари улғаяди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Катталашмоқ. Ёўза униб улғайган сари пахтакорнинг руҳидаги шодлик, кўнглидаги қувончини кўрангиз! Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

**УЛҒАЙТИРИЛМОҚ** улғайтирмоқ фл. мажж. н.

**УЛҒАЙТИРМОҚ** улғаймоқ фл. орт. н. Сиздай ўғлонларни улғайтирган халқ. Ғ. Ғуллом. [Мирзакаримбой] қизни улғайтирмасдан, ўн уч, ўн тўртда эрга бериш — ҳар бир мусулмон ота учун «фарз» эканини яхши билар.. эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЛҒАЙТМОҚ** улғаймоқ фл. орт. н. Бошидаги катта қора теллак унинг гавдасини яна улғайтган каби кўринарди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**УМАРО** [а] тар. Юқори мансабли ҳарбий амалдор(лар), ҳарбий бошлиқ(лар). Дастлаб Исломуҳўжа, сўнгера уламо ва умаролар, барча аёнлар [Исфандиёрни] муборакбод қилдилар. Ж. Шарипов, Хоразм. Нияти ғазога кетиб бораман, Ҳакимга дуо қил, жами умаро. «Хушкелди».

**УМБАЛАҚАШМОҚ** айн. умбалоқ ошмоқ қ. умбалоқ. Омонга қоқилиб умбалақашиб туидим. Ғ. Ғуллом, Шум бола. [Тухфа:] Тагин дарахтдан умбалақашиб тушгани-чи! Қап-катта бола. Ҳ. Назир, Чиранма ғоз — ҳунаринг оз.

**УМБАЛОҚ:** умбалоқ ошмоқ бошни ерга тираб орқасига ағдарилиб ўйнамоқ, думалоқ ошмоқ. Уйинчилар.. симларда умбалоқ ошиб, турли-туман.. ўйинларни қилиб.. ёши болаларни ҳайрон қолдирар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлар. Кўзибой.. ён бағридаги буталарга илина-илина умбалоқ ошиб бориб, кўлга шалоп этиб тушиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УМБУРВОҚИ** с. т. Умрбоқи. [Ўктам].. полизга кириб, бирпас теваракка қараб, тўни хунук битта умбурвоқини шартта узиб чиқди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**УМИВАЛЬНИК** [р умывальник] Юз-қўл ювиш учун мослашган жўмрак-

ли қурилма. Башорат умивальник ёнида юзга совуқ суркаб турган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УМИД** [ф-т] 1 Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч, ишонч билан кутиш; эътимод. Сиздан умидимиз катта. Сендан умидим шуми? — Таассуфки отамнинг Азизбекдан бўлган умиди бўйша кетди. А. Қодиррий, Утган кунлар. Ҳозир бу фикри пучга чиқди-ю, ичида бир нарса портлагандай бўлди ва умидларини чил-чил қилди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Тошқин чоғларида ишлардан келадиган ана шу сувга умид боғлаб ҳалиги деҳқонлар.. мош ва лўя каби экинлар экадилар. Айний, Қуллар. Чикмаган жондан умид умидсизланмаслик, умидни узмаслик, имконият борича ҳаракат қилиш. **УМИД БОҒЛАМОҚ** (ёки **ТУТМОҚ**, **ҚИЛМОҚ**) 1) орзу-истакнинг амалга ошишига ёки бировнинг кўмагига эътимод қилмоқ. Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) орзу қилмоқ, истак билдирмоқ. **УМИД(ИНИ) УЗМОҚ** истагининг амалга ошмаслигига ишонмоқ, воз кечмоқ. У [Элмурод] мактаб қуриш тўғрисида сўз қўзғалгандан бери, бу аҳволнинг ҳозирча қийин бўлишини билса ҳам, лекин бу ишдан сира умидини узмас эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Орзу, истак; ният, мақсад. Ҳаётни билшини ва ундан ўзининг лойиқ ўрнини топшига интилиш — ҳар бир кишининг умиди. Шухрат, Шинелли йиллар. Узганики бўлса ҳам ўғил қилиб олайлик, деган умидда бола қидириб юрибмиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Умид (эркаклар исми).

◆ **Жонингдан умидинг борми?** яшашни истамайсанми?, ўлгинг келаяптими? Кекирдаеига хажжаримни тираб: «Жонингдан умидинг борми, йўқми, ноинсоф!» дедим. А. Қодиррий, Утган кунлар. Жонидан умидини узмоқ ўлишини муқаррар деб билмоқ. Ё мен бошлаган йўлга юрасан, ё жонингдан умидини узасан! С. Аҳмад, Хукм.

**УМИДБАХШ** [ф-т] Кишида ишонч ва умид ҳосил қиладиган; келажакка умид, ишонч билан қарашга ундайдиган; умид бағишловчи. Йўлчи бу гал ҳам касалнинг кўнглини кўтариши учун, унга таскин берувчи умидбахш сўзлар айтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УМИДВОР** [ф-т] Умид, орзу ифодаловчи; умидли. Икки лашкарбоши бир-бирига соғлик-саломатлик тилаб, ғалабамиз учун, дегандай умидвор сўзлар билан рўжжаларини бирпасда бўшатдилар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Қўриқнинг шўрвасини ичганингиз етар, энди эски ернинг паловига умидвор бўлинг. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Уғлимни умидвор қилиб, охирида айнийсанми? Ойбек, О. в. шабадалар.

**УМИДЛАНМОҚ** Умидвор бўлмоқ; умид қилмоқ.

**УМИДЛАНТИРМОҚ** умидланмоқ

фл. орт. н. Учрашудан умидлантирди. — У юпатуши сўзлар билан дўстини умидлантиришини истамади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УМИДЛИ** 1 Бирор нарсадан умид қиладиган; умидвор.

2 Келажакка ишонч ва умид билан қарайдиган; ишонса, умид қилса бўладиган. Туманга ўралиб йўқолди уйқу, Ҳар ерда у ғўзал умидли туйғу. Уйғун. | Келажакка ишонса бўладиган, келажакка порлоқ. Асранди қиз Рохила ролини ўйнаган умидли санъаткор Р. Тураевани ҳамма хурматлади. «С. Ўзбекистони», 1963, 23 июль. **УМИДЛИ ДУНЁ** ҳаётда ишонч, умид билан янаш лозимлигини ифодалайдиган ибора.

**УМИДСИЗ** 1 Умид узиб, умидсизларча, поумид. Илтижо қилувчи умидсиз дарвозадан йироқлашди. А. Қодиррий, Утган кунлар. Уминг [Тоҳиржоннинг] катталашган қора кўзлари чирокда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Келажакка бўлган ишонч ва умидини йўқотган, келажакдан умидини узган. Умидсиз киши.

**УМИДСИЗЛАНМОҚ** Бирор кимса ёки нарсага бўлган ишончини, умидини йўқотмоқ. Адолат умидсизланиб, ғамга, кулфатга кул бўлгани йўқ. И. Раҳимов, Чин муҳаббат. Азизбек тамом умидсизланиб, дунёларча маъносиз ичида томдан тушиб кетди. А. Қодиррий, Утган кунлар.

**УМИДСИЗЛАНТИРМОҚ** умидсизланмоқ фл. орт. н.

**УМИДСИЗЛАРЧА** рви Бирор кимса ёки бирор нарсадан умид узган ҳолда; умидсизланиб. Али тажанг умидсизларча қўлини силкиб, туриб кетди. Ойбек, Куёш қораймас.

**УМИДСИЗЛИК** умидсиз с. белги оти. Қизнинг юзида умидсизлик белгилари йўқ; у кулар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу саволдан хотиннинг юзига умидсизлик туси кирди. А. Қодиррий, Утган кунлар. Сенга берадиган маслаҳатим ва насиҳатим шуки, умидсизликка тушма. Айний, Қуллар. Умидсизлик билан ҳаёт йўлларига боқмайман. Ғайратий.

**УМИДСИЗЧА** кам қўлл. айн. умидсизларча.— Ох, опаюн,— деди умидсизча оймим,— менинг бунга кўнглим чопмайди! А. Қодиррий, Утган кунлар.

**УММАТ** [а] 1 дин. Бир миллат, бир дин, бир мазабга мансуб кишилар, халқ. Яхши ўйлаб чораларини топиш лозимдирки, ислом уммати саҳобалардек чуқур имон ва завқ-шавқ билан ўз бурчларини бажарсинлар. Ойбек, Нур қидириб. **Уммати Муҳаммад** ёки **Муҳаммад уммати** ислом динидаги одамлар, мусулмонлар. Бир Муҳаммад уммати деб яхшилик қилсангиз — савоб, бир одам дегангиз — инсонлик вазифаси. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Умнат (эркаклар исми).

**УММОН** [а] эск. Денгиз, баҳр. Шодлиги — оламага тўлган ёруғ нур, Қай-



ғуси — ўзича соҳилсиз уммон. М. Бобоев.

**УМОЧ** Уваланган хамир солиниб пиширилган суяқ ош. Арслонкул.. заранг товоқдаги умочни катта қошиқ билан хўр-хўр иди. Ойбек, Навоий. Қозон тепасида умоч кавлаётган Ойшабиби ўғлини кўргач, чўмични кўйдиди-да, унинг ёнига келди. М. Исмоилов, Озодлик гулини ҳидлаган киши.

**УМР** [a] Туғилгандан то ўлгунгача бўлган давр. Узоқ умр кўрмоқ. Умрининг охири. Семиз кўйининг умри калта. Мақол. — У умрида қўлига газета олган эмас эди. М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Бир умр ёки умр бўйи** туғилгандан то ўлгунча, бутун ҳаёти давомида. Деҳқон-чи, деҳқон бир умр бўйрадек ерга ёпишиб олган. С. Аҳмад, Хукм. Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. П. Турсун, Ҳўитувчи. | Яшаш, ҳаёт. Соғлик — умрнинг гарови. Мақол. Бировага ўлим тиллагунча, ўзинга умр тилла! Мақол. — Умри битиб, отам кўз юмди, Мозорида сарғайди еиёҳ. Ё. Мирза. Мени тўғилгандан айирдинг, ўн йиллик гулдай умримни кўрт бўлиб единг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўлди гулшан сенинг қўлингда, Кўлди чиндан умр баҳоринг. Ғайратий. **Умр йўлдоши** эрга нисбатан хотин ёки хотинга нисбатан эр. Ойша хола умр йўлдошининг армонда кетсанга, ўғиллари оталаридан жудо бўлганларига ачиниб йиғларди. Ж. Шарипов, Хоразм. **Умр кечирмоқ** 1) бирор тарзда яшамоқ, умр ўтказмоқ. Қийинчиликда умр кечирмоқ; 2) айн. умр қилмоқ. Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмоқ, менимча, энг маъқул иш. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. **Умр қилмоқ** эр-хотин бўлиб яшамоқ. [Хожи хола:] Қиморбоз билан олти йил умр қилдим. Уч бола кўрдим, лекин биттаси ҳам турмади. М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Умрингдан барака топ** «кўп яша», «умринг узоқ бўлсин» маъносидаги олқини.

◆ Умр савдоси қ. савдо 1.

**УМРБОД** [a+ф-т] рвш 1 Ҳаётининг охиригача, ўлгунга қадар; ўлгунча. Борди-ю, Элмурод қасос олса, бу сир унга, Муҳаррамега умрбод сир қолиб кетар, мотам тутар. Шўхрат, Шинелли йиллар. Нигорага бораман: оёғи-дан тиз қўиб, умрбод юрагимни сизга бағишладим, дейман. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳамма вақт; мангу, абадий. Сен борсанки, халқларимиз Иноқ яшар умрбод. Уйғун. Биз ватанда яйраб ўсган қувноқ ёш авлод, Бу шодликни партиямиз берди умрбод. И. Муслим.

**УМРБОҚИ** [a] Қовунинг пўчоғи қалин, сарғиш-кўкиш бўлиб, қишга сақланадиган хили. Вали ака ўлига бир кеса умрбоқидан узатиб: — Мана буни еб олдинг, ўғлим...— деди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.

**УМРГУЗАРОНЛИК** эск. Ҳаёт кечирини, яшаш. Умргузаронлик қилмоқ.

**УМРДОШ** [a+ф-т] кам қўлл. айн. умр йўлдоши қ. умр. Ҳозир Маъсуда опа соғ-саломат ўз уйида, болалари, садақатли умрдоши, оиласи бағрида ширин ҳаёт кечиряпти. Р. Муҳсимова, Уч ўлимдан қолган аёл.

**УМРЛИ** Маълум муддат яшайдиган, умр кўрадиган. Узун умрли. Қисқа умрли. — У [Худойқул] Мадамисиз ҳам ўз тирикчилиги ўтиши мумкинлигини англамади. Унга хўжа оstonаси умрли макон бўлиб кўринди. П. Турсун, Ҳўитувчи. | Бир умр давом этадиган; бир умрга хос. Бир умрли иш. Бир умрли ёр.

**УМРЛИК** Умрининг охиригача, умр бўйи; абадий. Миришбага пора бериб ўлим жасосидан қутулиб, умрлик қармалганлар бор. Айний, Жаллодлар. || У ердан отини миниб, умрликка Марғилон билан видолашмоқчи эди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. | Умр бўйи давом этадиган. Одам умрлик қарзи билан, бурчи билан туғилади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**УМСУНМОҚ** Эмчаги сутга тўлиб, эмизишга эҳтиёж сезмоқ (эмизикли хотин ҳақида).

**УМУМ** [a] Одамлар, жамоат; халойиқ; кўпчилик. Умум фойдаси учун ишламоқ. — Етмасга сени қўлга тушириб, умум олдида шармандангни чиқариб, очиқ суд қилсин З. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Энди ингараган ёки, мадорсиз бўлса ҳам, умумдан ажралмаслик учун, чала-чула ўралган яраларидан қон оқизиб, суд-ралиб бораётган ярадорлар кўпгина эди. Ойбек, Куёш қораймас. **Умум палатаси** қ. палата 1.

**УМУМ**: Қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жамоатга, ҳаммага, кўпчиликка тегишли эканликни, муштаракликни билдиради, мас. умумхалқ, умумиттифоқ, умуммиллий, умумреспублика, умумпролетар, умумпартиявий.

**УМУМАН** [a] рвш Асос эътибори билан, асосан. Мақола умуман яхши таассурот қолдири. — Унинг [Унсиннинг] умуман юз бичими келишган эди. Ойбек, Қўтлуғ қон. | Муғлақо, бутунлай. Умуман бу шидан хабарим йўқ. **Умуман айтганда** кири с. хулласи; хуллас.— Бу уруш бизга «мерос» бўлиб келяпти: умуман айтганда, тарихдан норозиман, ҳар авлода бу уруш тўғри келади,— деди Дубенко. Шўхрат, Шинелли йиллар.

**УМУМБАШАРИЙ** [a] Бутун инсониятга, одамзодга оид. Тарихда шундай шахслар бўладики, уларнинг аҳамияти... бир ва бир неча мамлакат доирасидан ташқарига чиқади, дунёвий аҳамият касб этади, умумбашарий бўлиб қолади. В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан.

**УМУМДАВЛАТ** [a] Давлатга оид, давлат учун умумий. Умумдавлат манфаатларини кўзламоқ. — Совет ҳукумати ишлаб чиқариш ва истеъмол устидан умумдавлат миқёсида дар-

ҳол ишчилар контролини жорий қилмоғи керак. В. И. Ленин, Революция вазифалари.

**УМУМДЕМОКРАТИК** [a+р] Барча демократик кучларни ўз ичига олган, барча демократик ташкилотлар учун умумий. Ишчилар.. матбуотининг ўтмишидоши, ўша вақтда бошида Герценнинг «Қолокол» номли журнали турган умумдемократик цензуриасиз матбуот эди. В. И. Ленин, Россиядаги ишчилар матбуотининг ўтмишидан.

**УМУМИЙ** [a] 1 Ҳаммага оид, ҳаммага тегишли; ҳамма учун хизмат қиладиган; ягона. Умумий мажлис. Умумий-мажбурий таълим. Умумий тил. — Яна бир жума кун боляидек қийлоқнинг умумий йиғини бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор организмнинг ҳамма қисмларини ёки бирор тузумнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган, ёпаснига содир бўладиган. Умумий заифлиши. Капитализмнинг умумий кризиси.

3 эк. Умуман ҳисобга олгандаги ҳаммаси; бутунча, ялпи. Умумий маҳсулот. Умумий фойда.

**УМУМИЙЛИК** умумий с. белги оти. Дунёқарашнинг умумийлиги. Вазифанинг умумийлиги. Манфаатларнинг умумийлиги.

**УМУМИТТИФОҚ** [a] Совет Иттифоқи учун умумий бўлган, бутун Совет Иттифоқига тааллуқли; бутуниттифоқ. Умумиттифоқ миқисстрилиги. Умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхона.

**УМУМЛАШМА** Алоҳида, жузъий ҳодисаларни кузатиш, ўрганиш натижасида ҳосил бўладиган умумий якуловчи фикр; умумий ҳулоса. Фалсафий умумлашма. — Юксак бадий умумлашма даражасига кўтарилган.. портретлар киши қалбини ва онини бошитади. А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.

**УМУМЛАШМОҚ** 1 Умумий ҳулосага келмоқ, ҳулосаланмоқ, якунланмоқ. Фикр умумлашди. Таққиқот умумлашди. Умумлашган тажриба.

2 Умумга, кўпчиликка, халққа тегишли бўлмақ, халққа хизмат қилдиган бўлмоқ, халқ мулкига айланмоқ. Хусусий хўжаликлар умумланди. — [Мавлонов] аввал колхоз тузиб, ерларни белгилаб олинглар-чи, тракторга умумлашган катта ер керак. П. Турсун, Ҳўитувчи.

◆ Шахси умумлашган гап грам. мазмунан ҳар уччала шахсга тааллуқли гап.

**УМУМЛАШТИРИЛМОҚ** умумлаштирмоқ фл. мажж. н. Бош мақолада бу иш яхши йўлга қўйилган «Зарбдор», «Қизил оточ» сингари илгор колхозларнинг иш тажрибалари умумлаштирилган.. эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**УМУМЛАШТИРМА** айн. умумлашма. Фақат индивидуаллаш натижасидагина ёзувчининг умумлаштирмалари жонланади. «Адабиёт назарияси».

**УМУМЛАШТИРМОҚ** умумлашмоқ фл. орт. н. Илғорлар тажрибасини умумлаштирмоқ. Ишлаб чиқаришини умумлаштирмоқ. Фан ютуқларини умумлаштирмоқ.

**УМУММИЛЛИЙ** [a] Бутунча миллатга, шу миллатдаги кишиларнинг барчасига тааллуқли, миллат учун умумий. *Умуммиллий тил. Умуммиллий бойлик.*

**УМУМПАРТИЯВИЙ** [a+p+a] Бутунча партияга тааллуқли, партия учун умумий. *Бизнинг мамлакатимизда китоб савдоси умумпартиявий ва умумдавлат ишининг ажралмас таркибий қисмидир.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 176.

**УМУМПРОЛЕТАР** [a+p] Бутунча пролетариатга тааллуқли, пролетариат учун умумий. *Адабиёт иши умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак.* В. И. Ленин, Партия ташкилоти ва партия адабиёти.

**УМУМРЕСПУБЛИКА** [a+p] Республикага тааллуқли, республика учун умумий; бутун республикага ёйиладиган, тарқаладиган. *Умумреспублика бадиий ҳаваскорлик кўриги.* — ЎзССРнинг.. ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат: ..умумреспублика аҳамиятига эга бўлган маданий-оқартув ва илмий ташкилотларни идора қилиши. «ЎзССР Конституцияси».

**УМУМХАЛҚ** [a] Бутун халққа тааллуқли, бутун халқ учун умумий. *Умумхалқ мулки. Умумхалқ намоиши. Тинчликни ҳимоя қилиши — умумхалқ иши.* — ЎзССР Олий Совети Президиуми.. сўроқ йўли билан умумхалқ фикрини олади. «ЎзССР Конституцияси».

**УМУРТҚА** анат. Инсон ва ҳайвон скелети умуртқа погонасининг ҳар бир ҳалқасимон суяги. *Бўйин умуртқалари. Умуртқа чиғаноғи. Умуртқа суяклари.*

**УМУРТҚАЛИЛАР** зоол. Гавдани тутиб турувчи умуртқа погонаси бўлган ҳайвонлар группаси. *Умуртқали ҳайвонлар.*

**УМУРТҚАСИЗЛАР** зоол. Жониворлар оламининг умуртқа погонаси бўлмаган жониворлар. *Умуртқасиз ҳайвонлар.*

**УН** I I Донни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озуқа. *Бугдой уни. Жўхори уни. Оқ ун. Сепакли ун.* — *Бостирмада Зиёдаҳон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *У қайроқи бугдой ундан ёғлиқ патири, солса ёнди, қатлама пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қўймоқ солди-да, болтани қўлига олиб, тўқайга қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ

2 Кукун холига келтирилган маҳсулот. *Қартошка уни. Суяк уни. Фосфор уни.*

◆ **Кулоғига ун босмоқ** эшитмайдиган, қар бўлиб қолмоқ. [*Хонзода:*] *Қулоғингга ун босдингми, етимча,*

*етти кулча! Чилим! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**УН** II эск. I Товуш, овоз. *Анчадан сўнг итларнинг уни ўчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Овозини эшитиш учун томоғига зўр бериб кўради. Фақат қандайдир хирилдоқ ун чиқади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

2 *Кўчма* Фарёд, нола. *Не қора даррон экан бу, тингламас ҳеч ким уним.* М. Исмоилий Фарғона т. о.

**УНАМОҚ** Бирор иш, илтимос, талаб ва ш. к.га рози бўлмоқ, хўп демоқ, кўнмоқ. *Мулла Икром қийиқ одам бўлганиданми ёки касби ишун лозим кўрганиданми, мурсага унамади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Менинг маслаҳатимга Омон, Омоннинг маслаҳатига мен унадим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Қушбеги:*] *Буйруғимни кўрбошига айтсанг, унар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УНАР-УНМАС** Унча аҳамияти бўлмаган, арзимаган нарса, бўлар-бўлмас. [*Хасанали:*] *Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: — Бу гал Марғилонга кечикдингизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бора-бора ўша, «мусичадай беозор» эр тирриқлик қилиб, унар-унмасга Шаҳодатни уриверадиган бўлди.* «Муштум», 1956, № 8.

**УНАТМОҚ** унамоқ фл. орт. н. *Қайтишга унатмоқ.*

**УНАШИЛМОҚ** унашмоқ фл. мажҳ. н. *Эаачиси Унсин бувиши Боқивой бўғчининг катта ўғли Турдиматга бериш учун унашилган эди.* Н. Мақсудий, Юксалиш.

**УНАШМОҚ** I унамоқ фл. бирг. н. *Улар ярашишга унашди. Болалар уйда қолишга унашмади.* — *Унашини масаласига [Отабек] қарши тушмаганидек, севинчини ҳам ошкор қилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бировга хотин қилиб олиб бериш учун ўзаро келишмоқ. *Отамга.. Ҳамроҳоннинг қизи Зеваройни унашганлар.* Айний, Эсдалиқлар. *Энди қизни Олаҳўжанинг ўғлига унашибди, деб эшитдим.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м. *Отабек гангиб, шошиб сўради: — Қайси қизига унашиб келдингиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**УНАШТИРИЛМОҚ** унаштирмоқ фл. мажҳ. н. *Менинг тилаб олган Булбулли, отанг тирикчилигида, сенга унаштирилган эди.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м

**УНАШТИРМОҚ** унашмоқ фл. орт. н. [*Давлатёр:*] *Онасини қўлга олиб, қизнинг ўзини алдаб-судаб юқори қишлоқдаги бир бадавлат одамнинг ўғлига унаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қизни бешиқда унаштириб қўйган эканлар.* Ойбек, Қутлуғ қон. [*Роҳила:*] *Буни қаранг, унаштиришини тўй деб юрса-я! Қўйинг домласи, ҳозир унаштиришдан ҳам айнидим!* А. Қаҳҳор, Оғрик тўшлар.

**УНАҚА** с. т. Ундай. [*Йўлчи:*] *Ермат ака, эртага борамизми, унақа*

*одамлар жуда кечки бўлади-ку? Ойбек, Қутлуғ қон. Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келганми, уй кўргани келганми? А. Қаҳҳор, Қўшчинор*

**УНАҚАНГИ** айн. унақа. **УНВОН** [a] I Бирор иш-фаолият соҳасидаги хизмат ёки мутахассислик даражасини белгиловчи махсус таъсис қилинган ном. *Профессорлик унвони.* — *Эртасига.. келиб, уни лейтенант унвони ва взвод командири вазифаси билан табриқлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Бирор хизмат учун муқофот тарзида Олий Совет Фармони билан бериладиган фахрий ном. *СССР халқ артисти унвони. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони.*

2 Феодал ва буржуа жамиятида: мерос бўлиб келадиган ёки инъом қилинган хурматли, фахрий ном. *Князлик унвони.* — *Қориллик унвонини олиш учун мен ҳам бел боғлаган эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришишлари.

**УНГАЧА** I Ўша жойга қадар. *Унганча кўп юрди.*

2 Ўша вақт етгунга қадар; бирор иш битгунча. *Бўри: «Хўп бўлди», — деб туз ахтариб кетди, унганча қўзи қочиб кетди.* «Этрақлар».

**УНГУР** Тоғликлардаги тик ўйиқ жой; гор. [*Зокир ота:*] *Уларнинг [босмачиларнинг] жойи борми, ўғлим. Беш кун бу тоғда бўлса, ун кун бошқа унгулда яшайди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

**УНДА-БУНДА** рви I Орасини узоқ қилиб; катта оралик қолдириб. *Қадамини унда-бунда қўймоқ.* — *Холик, ранги қув ўчган ҳолда, қадамини унда-бунда босиб уйга кирди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси.

2 Бир-бирдан анча узоқ масофада жойлашган; кам, сийрак. *Дарахлар унда-бунда учрайди.* — *Бу атрофда сув йўқми? — Сув қайда? Унда-бунда қудуқ бор дейишди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Унда-бунда тўп-тўп сада, уларнинг орасида оппоқ гуллаган ўриклардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.* Ойдин, Гулсанам.

3 Баъзи вақтлардагина; баъзан, гоҳо-гоҳо. [*Ермат:*] *Ўз декчамизни ўзимиз қайнатамиз. Хўжайиннинг қозонидан унда-бунда бир тотмасак.. мойсиз бўлса ҳам, ўз декчам яшиш.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**УНДАЙ** кўрс. олми У каби, ўшанга ўхшаш; унақа. [*Элмурод:*] *Иштахасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Тавҳидий:*] *Яъни сен ҳам ит деганингизми бу! Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Бироқ Шарофат ундай қилмади. У ўзини ерга отиб урди-ю, худди илон чаққандай тўлғаниб, йиғи бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**УНДАЛМА**, ундалма сўз грам. Нутқ

қаратилган шахсни билдирувчи сўз ёки сўзлар группаси.

**УНДАЛМОҚ** ундамоқ *фл. мажх. н.*

**УНДАМОҚ** Бирор иш, ҳаракатни бажаришга чақирмоқ, даъват этмоқ; буюрмоқ. *Виждоним, бутун фикрим, мени масалани худди ана шундай узил-кесил ҳал қилишга ундар эди. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Уни қандайдир бир куч борган сари Инобатни хурматлашга ундарди. Ж. Шарипов, Саодат. [Аҳмад Хусайн:] Жамият ишига шўнғиш ва аёллар озодлигига тинмай-чарчамай баралла овоз билан ундаш керак. Ойбек, Нур қидириб.*

**УНДА-МУНДА** *с. т.* Унда-бунда.

**УНДАН-БУНДАН** 1 Турли нарсалардан сайлаб. *..Узи ҳеч нимани истамаса ҳам, қиз тортинмасин, деб ундан-бундан емакка уринди. Ойбек, Кутлуг қон.*

2 Турли мавзуларда, ҳар тўғрида. *Ундан-бундан сўзлаб ўтирди. — Гоҳо маҳалланинг бекорчилари киради. Ундан-бундан гаплашиб, баъзилари эрмак учун махсиларни бўяб, пардозлаб ўтирадилар. Ойбек, Болалик.*

**УНДАН-МУНДАН** *с. т.* Ундан-бундан.

**УНДАШМОҚ** ундамоқ *фл. бирг. н.*

**УНДИРИЛМОҚ** ундирмоқ *фл. мажх. н.*

**УНДИРМОҚ** унмоқ *фл. орт. н.* Бобонг бир бақатерак учуда қизил гул ундирган экан. Ойбек, О. в. шабадалар. Азим бойваччадан олти йиллик ҳақингни ундириб бердимиз? С. Аҳмад, Хукм.

**УНДОВ** Ҳаракат қилишга таклиф, чақирик; буйруқ, амр. *Қалб амри, виждон ундови.. билан урушга жўнган саноксиз шерздот баҳодирларимиз орасида.. журналист ҳамкасбларимиз ҳам оз эмасди. Х. Тожибоев, Жанговар қаламкашлар. Ундов белгиси грам. ундов гап охирига қўйиладиган белги (!). Ундов гап грам. хис-ҳаяжон ифодаловчи гап. Ундов сўз грам. хис-ҳаяжон, ҳайдаш, чақирик каби маъноларни ифодаловчи сўз.*

**УНДОВЧИ** 1 ундамоқ *фл. ш. оти.*

2 *этно.* Тўй кунни келиннинг ота-онаси томонидан куёв ва унинг меҳмонларни келиннинг уйига таклиф қилиш учун юбориладиган вакил.

**УНДОШ**, **ундош товуш** *лингв.* Оғиз бўшлиғида турли тўсиққа учраб, шовқин билан хосил бўладиган товуш.

**УНДОҚ** *с. т.* Ундай. — Ҳа — ҳа, ундоқ дегин, — деди Ефим Данилович чўзиб, гўё мушкул бир масалани зўрга тушуниб олгандай. А. Мухтор, Опасингиллар.

**УНИВЕРМАГ** [р] Турли хил саноат моллари сотиладиган катта магазин; универсал магазин. *Домла бозор қилишни, магазинга киришни эсинидан баттар ёмон кўрар эди, кимдир уни универмагда.. кўрибди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

**УНИВЕРСАЛ** 1 [р универсальный] 1

Кўп ёки ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олган; ҳар тарафлама. *Универсал билим. Универсал билимга эга одам. Универсал магазин. — Социал-демократия курашининг универсал воситасини, яъни пролетариатни ўзидан бироз юқори ёки бироз паст турувчи табақалардан хитой девори билан ажратиб ташлайдиган воситасини танимайди. В. И. Ленин, Партизан уруши. Саидий маълумот жиҳатидан универсал бўлишни яхши кўради. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 Бир неча хил ишни бажаришга мосланган. *Универсал станок. Универсал трактор.*

**УНИВЕРСАЛ** II [р] *с. т.* Бир неча хил ишни бажара оладиган трактор. *Култивация қилиб, жўяк оладиган универсал иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**УНИВЕРСАЛЧИ** Универсални бошқарувчи киши.

**УНИВЕРСИТЕТ** [р<лат] 1 Турли хил ижтимоий ва табиий фанлар бўйича алоҳида факультетлари бўлган олий ўқув юрти, илмий муассаса. *Тошкент Давлат университети. Университетга кирмоқ. — Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. У Москвадаги Ломоносов номи давлат университетида ўқишга бориш орзусида юрар.. эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Умумий маълумотни ва сиёсий билимни ошириш соҳасидаги ўқув муассасасининг номи. *Марксизм-ленинизм университети. Халқ университети.*

**УНИКАЛ** [р уникальный] Жуда кам топиладиган, сийрак учрайдиган; нодир, ноёб. *Уникал қўл ёзма. Уникал асар. Уникал буюм.*

**УНИФИКАЦИЯ** [р<лат]: **унификация** қилиш умумий бир шаклга, умумий бир нормага келтириш; бир хил қилиш. *Машина деталларини унификация қилиш. Алфавитни унификация қилиш.*

**УНИФИКАЦИЯЛАШТИРМОҚ** Бир хилликка келтирмоқ, умумийлаштирмоқ. *Илмий терминологияни унификациялаштирмоқ.*

**УНЛИ** I Уни бор, ичига ун солинган. *Унли қон.*

**УНЛИ** II *лингв.* Ундан таркиб топган, ундан иборат; овозли. *Унли товуш.*

**УНМОҚ** 1 Ривожланиб бошланғич поя ва баргчалар хосил қилимоқ; кўкариб, ўсиб тупроқ бстига чиқмоқ (экилган уруғ ҳақида). — *Орадан кўп вақт ўтмади, янги нав уруғ униб чиқди. Н. Сафаров, Дон. | Ривожланиб бўйига, энига ўсмоқ, катталашмоқ. Кўтарилди, юз онди қуёш, Гуллар унди, яшнади чаман. Ғайратий.*

2 Чиқмоқ. *Чечак унди.*

3 Жисмоний етук ҳолга келмоқ; етилмоқ. *Опти тойчалисида кўрган киши, у от бўлган, кўрса танимага-*

*нидек, эшон ҳам ўн йил ичида ўсиб, униб, тамом бошқа қийфага кирган йиғитни таний олмади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Ҳар томонлама ривожланмоқ, камол топмоқ. Муқимий [Юсуфжонни] «Усин, унинг, халқни хурсанд қилгин, кўп йиллар саломат бўлгин», деб дуо қилган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

4 Қўсташ, таъсир натижасида қўлга кирмоқ (қарз, насяя ш. к. ҳақида). *Қарз унди. | Таъсир кўрсатиш, талаб қилиш натижасида амалга ошмоқ (ҳақ, ҳисса, совға, зиёфат ва ш. к. ҳақида). Мирослав ютқизган зиёфат унадиган бўлибди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?*

5 Яхши натижа бермоқ, унумли бўлмоқ, рўёбга чиқмоқ. *Шошганинг иши унмас. Мақол.*

**УННАЛМОҚ** уннамоқ *фл. йўл. н.* *Бибиғул қўлидаги пақирни ташлаб юборди, Ниғмурод қўлларидан чиқиб кетиш учун бир-икки унналиб кўрди. Мирмуҳсин, Чўри. Иш шароитини яратиш учун унналиб кетилади. А. Воҳидов, Мейморларимиз.*

**УННАМОҚ** Бирор ишни рўёбга чиқариш учун астойдил қиришмоқ, ҳаракат қилмоқ, шугулланмоқ. *Санобархон эрта туриб, тандир сомсага уннаб кетди. Ғайратий, Йўқлов. Қора хат олган хотин бош эгиб жимгина дастгоҳи тепасига келар, кўз ёши-ни атрофдагилардан яшириб, қабр устига энгашаюндек, бош кўтармай, ишига уннаб кетар эди. С. Аҳмад, Уфқ. Ёши қайтган, хушфетъл аёл икки қизни оқиқ чехра билан кутиб олади. Дарҳол дастурхон эзиб, овқатга уннаб кетди. Мирмуҳсин, Ажрим.*

**УННИҚМОҚ** Бўғиқ қора тусга кирмоқ, қораймоқ. — *Уни [Сўнагулни] йўлайвериб ориқлаб, унниқиб кетдим,.. — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Асқар полдон қорайиб унниққан эди. Ойбек, Қуёш қораймас: Солининг фиғони осмонга чиқди. Бир-икки соат ичида унинг қора юзи баттар унниқиб кетди. Е. Шукуров, Уч савол.*

**УННИҚТИРМОҚ** унниқмоқ *фл. орт. н.* Чўл изғирини бу йиғитнинг ёқимтой юзларига ҳам ўз таъсирини ўтказибди: чўл офтоби ва шамоли унниқтириб юборибди. Ф. Нуруллаев, Бўз йиғит. У ҳар кунгидай ғамгин, айрилиқ дарди уни унниқтириб юборган. Ҳ. Ғулмо, Сента нитиламан. Ғўзаларни тасодифий изғирин совуқ бир кечадаёқ унниқтиради-кетилади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**УНС** [а] *эск. кт.* Яқинлик, қадрдолик муносабати; дўстлик. *Хуллас устод билан шогирд ўртасида самимий унс пайдо бўлиб, бир-бирларини тез-тез йўқлайдиган.. бўдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

**УНСИЗ** *эск. айн.* ундон.

**УНСУР** [а] *эск. 1 айн.* элемент 1, Химиявий унсур.

2 *салб.* Маълум бир ижтимоий гу-

руҳ вакили. *Бузғунчи унсур. Реакцион унсур. Ёт унсур.* — Оралмизда бу кўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунади-ган яхши одамлар йўқ, билгакс бузғунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

3 с. т. Революция ва революцион давлат душмани; халқ душмани; реакционер. *Йўқ, Зиёдаҳон опа, мен унсур эмасман! Агар мени биров унсур деса, ҳақимга жуда-жуда жабр қилади.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ. *Бўта унсур бўлган. Овозлик душманининг подииси бекор бўлди.* С. Аҳмад, Хукм.

**УНУМ** 1 Етиштириладиган, бўлади-ган, ҳосил; барака. *Ишга қўним — хирмонга унум.* Мақол. *Қўнчилик қўлда унум кўп.* Мақол. — *Кеникиб экилган ғалла ҳам, чиғит ҳам, Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор нарса ишлаб чиқариш, тайёрлаш қобилияти; маҳсулдорлик. *Машинанинг иши унуми.* Унуми кам қўл меҳнати. *Меҳнат унумини ошириш.* || Ижобий натижа, фойда. *Меҳнатсевар халқи бетиним Ишлар, аммо ўзгача унум.* Ғайратий.

**УНУМДОР** айн. унумли. *Унумдор тупроқ.* *Унумдор машина.* *Унумдор меҳнат.*

**УНУМДОРЛИК** унумдор с. белги оти. *Машинанинг унумдорлиги.* — *Ернинг унумдорлиги, экинларнинг ҳосили ошиди.* *Очлик-ночорликдан асар ҳам қолмайди.* Х. Ғулум, Машғал.

**УНУМЛИ** 1 Мўл ҳосил берадиган; серунум, серҳосил; баракали. *Унумли ер.*

2 Кўп ишни бажара оладиган, кўп маҳсулот берадиган; сермаҳсул. *Унумли дастгоҳ.* *Иши унумли уста.*

**УНУМСИЗ** 1 Кам ҳосил берадиган. *Унумсиз дарахт.* *Унумсиз тупроқ.*

2 Яхши натижа ёки кўп маҳсулот бера олмайдиган; фойдаси кам. *Унумсиз машина.* *Унумсиз меҳнат.*

**УНУМСИЗЛИК** унумсиз с. белги оти. *Ернинг унумсизлиги.*

**УНУТ:** унут бўлмоқ с. т. хотирадан ўчмоқ, эсдан чиқиб кетмоқ, унутилмоқ. [Этибор опа:] *Худо шифо берса, ҳеч гап эмас, бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади!* Х. Ғулум, Машғал. *Қўнни унутсанг, ўзинг унут бўлишинг жуда осон.* Р. Файзий, Балли, она қизим.

**УНУТИЛМОҚ** унутмоқ фл. мажҳ. н. Арава бурилиб икки адир орасига кириши билан «Чўғи Бўри» кўздан йўқолди. Шу билан унинг ваҳимаси ҳам унутилди. А. Қаҳҳор, Мاستон.

**УНУТМОҚ** Хотирадан, эсдан чиқариб юбормоқ; эслаёлмай қолмоқ. *Бировнинг исмини унутмоқ.* — *Азимов ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиги билан шахмат тахтаси устига энгашиб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Эсдан чиқариб қолдирмоқ. *Қозонга ҳамма масаллиқни содию, тузни*

*унутибди.* — *Аваз уларга қаради-ю, кунжарани яна унутди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. [Йўлчи] *ўрдага келиб юкни ташлади, меҳнат учун ҳақ олишни ҳам унутиб, Ермат орқасидан кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ўзини унутмоқ* шошиш натижасида ақлни йўқотмоқ, эсанкириб қолмоқ. | *Хаёлидан чиқармоқ; ўйламай қўймоқ.* *Элмурод.. далада ўзини эркин сезар, ғам-ҳасратни унутар, юраги сиқилмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менга қолса, у хумпар Марғилонда хотини борлигини унутиб юборган, деб ўйлайман.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**УНУТТИРМОҚ** унутмоқ фл. орт. н. *Меҳнат унинг сурғунда юрганини унуттирар, иши билан банд бўлиб эрикмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Атрофдаги поёнсиз бўйлиқ ўзини унуттирмас, саҳро доим бутун евузудинени босиб тургандек туюлар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**УНУТУВЧАН** Тез унутувчи; хотираси кучсиз. *Унутувчан киши.*

**УНЧА** Белги билдирувчи сўзларга боғланиб келиб, белгининг оз, кучсиз эканлигини билдиради: у қадар, деярли. *Қўчада одам унча кўп эмас.* *Шамол унча кучли эмас.* *Бобом унча қари эмас.* — *Сой, унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Гузарда одам унча қалин эмасди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Феълларга боғланиб келиб, ундан англашилган иш-ҳаракатнинг кучсиз эканлигини билдиради: у қадар, бир оз.* У [Тоғжибой] *муаллим ва агрономга ўхшаган одамларга нисбатан унча менсимай қарар ва уларни «кегандилар» деб атар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу кенгашга Мулла Обид унча қаноатлана олмайди.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**УНЧАЛИК** 1 айн. унча *Келган-кетган одамлар билан унчалик иши йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Аҳмаджон ҳали бу оғнинг гаштини татиб кўрмагани учун унчалик тажанг бўлмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 У қадар, унингдек, айтарли даражада. *Дўстинг рус тилини жуда яхши билади, аммо мен унчалик билмайман.*

**УНЧА-МУНЧА** 1 Озроқ миқдорда; биров. *Қизи тушмагурнинг тили унча-мунча аллага ҳам келиб қолди.* Х. Ғулум, Машғал. *Холиқова унча-мунча юридик маълумотга эга.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

2 Ўрта даражадаги; оддий, жўн. *Сиз унча-мунча одамнинг ишини ойдинда оғингиз билан қилиб қўясиз.* П. Қодиров, Уч илди. [Ўтбосар:] *Унча-мунча машиналарни назаримга илмай, бир кун шаҳарнинг энг машҳур тикучиларидан бирига.. бордим.* Ғайратий, Эпчил куёв.

**УПА** Гиғиена ва косметика мақсадларида ишлатиладиган хушбўй ва ниҳоятда майин кукун. *Ёғ упа.* *Упа қутимчаси.* *Упа қўймоқ.*

**УПА-ЭЛИК** Юз-қўлни пардозлаш учун ишлатиладиган упа, ёғ упа, сурма ва ш. к. Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, упа-элиги, пардози билан ёшроқ кўринар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. *У иккаридан сочини орқасига танғиб, лабига қизил суркаб, упа-элик қўйиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УПУҚА** [р поек] с. т. Бузоқ терисидан тайёрланган кўн. *Упуқа этик.* **УПҚУН** кам қўл. *Ҳаво ёки ел билан таралидиган харорат (совуқ ёки иссиқ) таъсири.* *Дўлнинг упуқни!* *Яқин бир жойда дўл ёғяпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**УРА** 1 унд. с. Хужум қилаётган жангчиларнинг жанговар пидоси. *Қаердадир пулемёт тариллади: якка милтиқ товушлари, ура садолари келди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | *Қўтаринки руҳ билан маъқуллаш ёки хурсандликни ифодаловчи нидо, хитоб.* *Шонли Совет армиясига ура!*

**УРА** 2 реш Бирданнига ва тезлик билан. *Ура чопмоқ.* — *Шу пайт машина бир неча бор «ду-дулаб», икки бола ура қочиб қолишди.* Х. Аҳмар, Қим ҳақ? *Қалиндар ёнимда туролмади, мени ёлғиз қолдириб ура қочди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**УРАН** [р <Сарк] Радиоактив химик элемент, металл.

**УРВОҚ** 1 Хамир мушалаётганда, ёяётганда хамирнинг тахта ёки супрага ёпишиб қолмаслиги учун, остига сепиладиган ун. *Урвоғига чидасан юпқа қилади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *Кўчма* Энг кичик бўлак, зарра. *Ҳар биримиз халқнинг бир урвоғимиз.* Х. Турсунқолов, Булоқ сувидек мусаффо бўлайлик. [Тилланинг] *урвоғи ҳам кўримайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

◆ **Урвоқ** ҳам бўлмайди озгина, етмайди, етарли эмас, жуда ҳам оз. *Азизхўжаев кўрдик, беморлар овқати.. иштаҳасига урвоқ ҳам бўлмайди.* А. Шайхов, Характеристика.

**УРДИРМОҚ** урмоқ фл. орт. н. *Хон золим, солиқ тўламаганларни ўлгунча урдиради.* Ғ. Расул, Адолат. [Додохо:] *Жабдуқ урдириб берсам, ўзлари миниб кетсалар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УРИЛМОҚ** 1 урмоқ 1—5, 7—15 фл. мажҳ. н. *Ашир чолнинг тақдирини Шундай кўрилди.* *Хўжасига осий деб, Камчи урилди.* Ғайратий. *Ҳалма ёқда даҳшатли зилзила излари кўринади: йиқилган ўйлар, урилмаган деворлар, вайрона жин кўчалар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўчада кумуш юган урилган аргумоқ, унга [Маҳмуд Торобийга] мунтазир тупар эди.* М. Осим, Маҳмуд Торобий.

2 урмоқ 1, 4, 12 фл. ўзл. н. *Тўлқинжон кимгадир урилиб кетиб, фикри бўлинди.* Ф. Мусаёнов, Хури. *Ҷиззали нон, исирик, қалампир, мева ҳиди димоғига урилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УРИНИШ уринмоқ** *фл. иш оти.* Янгиинг уриниши — эскиши. Мақол. — У бутун уринишлари бекор кетганига бугун тўла ишонди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Уриниш жой** (ёки ер) одам кўп, тикилинч жой. *Урда жарчиси бозор ва уриниш жойларда тўхтаб, жар солиб юрар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Уриниш нуқтаси** қ. нуқта 3.

**УРИНИШМОҚ уринмоқ** *фл. бирг. н.* Мезбонлар дилсиёҳлик кайфиятини яширишга уринишди. А. Қаҳҳор, Мирзо.

**УРИНМА** *мат.* Эгри чизиқ устига бир нуқтада тегиб ўтган тўғри чизиқ.

**УРИНМОҚ** 1 *Ўзини хар томонга урмоқ, ҳар ёққа талпинмоқ; ҳаракат қилмоқ, интилмоқ. Қафасда қуш уринаётир.* — Бозорда юрган халқ — фуқаро ҳам кир-юпун, ишқирт ғазабли, шошади, туртинади, уринади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор ишни бажаришга киришмоқ, тутинмоқ. [*Назокат*].. ошга уринди. Х. Гулом, Машғал. Чол ойнагини олиб, кўз ёшини артди ва яна ишга уринди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор нарса билан банд бўлмоқ, овора бўлмоқ, куйманмоқ. Сайфини илгарироқ ишга жўнатдим-да, ўзим нимагадир уриниб, кечроқ қолиб бордим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор ишни бажариш, бирор нарсага эришни ва ш. к. учун ҳаракат қилмоқ, куч сарфламоқ; тиришмоқ. *Эшикни очишга уринмоқ.* — Қиз уни ушлаб олгани кўп уринди, жуда қийналиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Хўкиз калласини эгиб омончи тортишга уринар, қўйиши эса ҳа деб қистар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Исмат бобо ҳассасини ерга тираб қоляскадан тушишга уринмоқда эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

4 Чарчамоқ, холдан тоймоқ; қийналмоқ. [*Уғил*].. Жон она, ўзим йўлда жуда уриниб келдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бир оз кутмабисиз-да, қори ака, иссиқда анча уриниб қолибсиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Чарчаб касали оғирлашмоқ. Бемор анча уриниб қолипти. — Кумушибиби.. оғриқлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси «тинч ухласин, ортиқ уримасин!» деб бугун намозга ҳам уйғоттирмаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Асли ҳолатини, сифатини йўқотмоқ; эскирмоқ. *Уринган рўмол.* — Уйга уриниб, эзилиб қайтиб келган нонни ейдиган одам йўқ. С. Аҳмад, Нон-насибамиз» ҳақида. *Мактуб анчагина уринган, қоғоз шалақланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УРИНТИРМОҚ уринмоқ** *фл. орт. н.* Қасални уринтирма — узлади. — Ёш-да, ғайратига чидалмай бошда ўзини уринтириб қўяди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Иссиқ кунда балқини уринтириб нима қиламан.* «Муштум», 1960, № 12.

**УРИНЧОҚ** 1 Ҳар ишга уринаверадиган, серҳаракат; тиришқоқ. *Маъсудахон уринчоқ қиз эмасми, бу касбнинг паст баландига тезда тушуниб олди.* Ф. Нуруллаев, Агитатор.

2 Тинч турмайдиган, уринаверадиган, тек турмас. *Уринчоқ бола.*

**УРИШ урмоқ** *фл. иш оти.* Мушт уриш. Юрак уриши. — Иккинчи ойларидан бошлаб Хушрўй кундошини бўғиб уриш оdatини чиқаради А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уч кун бурун, жаҳл устида келингизга «уч талоқ» деб қўйиб, ҳозир ўзимни қаерга уришни билмай юрибман.* «Муштум», 1959, № 16.

**УРИШИШМОҚ уришмоқ** *фл. бирг. н.*

**УРИШИГЛИ** Ўзаро чиқишолмаслик, жанжаллашиш туфайли муносабати бузылган; кўришмайдиган, гаплашмайдиган. — *Мен қув эмасман! — деди қулиб Қумуш.* — *Мен ҳали уришигли холдаман, ярашганим йўқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УРИШМОҚ** 1 *урмоқ* 1, 2, 3, 8—12, 14, 15 *фл. бирг. н.* Шеригим Абдуқодир Қаримовни эса бойлар йўлудай уришиб, сулайтириб қўйишибди. Х. Худойбердиев, Халқ манфаати учун. *Кўплашиб уларни отларига миндиришди-ю... отларнинг сағрига хипчин уришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уст-боши юпун йигитлар, чоллар қулоқларини рўмол билан боғлаб олиб кетмон уришади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Алоқани узадиган даражада муносабатни ёмонлаштирмоқ. *Ўзим билан уришинг, уч талоқ деб ўзимга айттинг эди.* А. Қаҳҳор Қўшчинор.

3 Қишига қаттиқ тегадиган гаплар айтмоқ, сўкмоқ, жеркмоқ. *Ҳақин бермай уришиб-уришиб сўрарди: «Эгиз туққан қўзиларни нетибсан?»* Эргаш шоир. *Санам хола.. Авазини уришди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

4 Жанг қилмоқ, жангда қатнашмоқ. *У [Мирзасев] оддий қисмда оддий қизил аскар бўлиб уришиб юрганида, бўлишма командири.. [унга] бир соғга берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**УРИШТИРИЛМОҚ уриштирмоқ** *фл. мажҳ. н.*

**УРИШТИРМОҚ** 1 *уришмоқ* *фл. орт. н.* Маҳалла болалари, ўспирин йигитлар юнги хурпайган икки катта кучукни уриштирадилар. Ойбек, Қутлуғ қон. *Саидий улфатлари туфайли уларнинг оғайнилари бўлган бу одамлар билан ҳам рюмка уриштирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 с. т. Бир-бирига қўшиб ўқимоқ (харфлар ҳақида). *Китоб саҳифасидаги катта қора харфларни овоз билан бир-бирига уриштириб, бир маъно чиқариши қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар қандай завқдан ортиқ эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Кўз уриштирмоқ** бир-бирига маънодор қараб қўймоқ; тикилмоқ. *Бектемиров кўлди. Бўйинини чўзиб одам-*

*лар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Хукм.

**УРИШҚОҚ** 1 Арзимас баҳона туфайли кишилар билан уринаверадиган; жанжал чиқараверадиган; жанжалкаш. *Уришқоқ бола.* — *Гўлмор қайналарнинг кўпининг бадфеъл, уришқоқ бўлишини яхши билса-да, Йўлчининг онисини меҳрибон, кўнгилчан, ғоят самимий бир қайнама каби тасаввур қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Уришадиган, зўр, зўравон. *Шу пайт обдан боқилиб советилаётган уришқоқ хўрозлар меҳмонлар йўтирган уй деразасига келиб, ўз акслари тушган ойнани чўқий бошладилар.* «Муштум», 1961, № 8.

**УРИШҚОҚЛИК** 1 *уришқоқ с. белги оти.* — *Мен у муттаҳамларнинг уришқоқлигига тан бердим.* — деди Нишонбек. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

2 Жанжал чиқариш, уруш бошлашга интилиш. *Уришқоқлик сивасати.*

**УР-ЙИҚИТ** 1 Жисмоний куч қўлланилган, тўполон, ола-говур; муштлашиш. *Қоронғи уйда ур-йиқит, муштлаш, отишма, дод-воё бошланди.* Х. Гулом, Машғал. | Бир-бирини уриш, ўлдириб; қиргин. *Кайфи хийла даражага етган бек ур-йиқит орасидан эсон-омон чиқиб отига базўр миниб олди.* Х. Гулом, Машғал.

2 Баъзи майда миллат ёки тўдага қарши уюштирилаётган, талон-торож ва қиргин билан ўтадиган реакцион-шовинистик хуруж; паглом.

**УР-КАЛТАК** 1 *айн. ур-йиқит.*

2 Жиноятчини, айбдор шахсни, давлат руҳсатисиз, ўзбошимчалик билан жазолаш, уриш.

**УРМОҚ** 1 Қўл ёки бирор восита билан зарб бермоқ. *Бола итни урди. Тарсаки билан урмоқ.* — *Рўзимат уни тутиб олиб, роса урибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Бектемир милтиқ қўндоғи билан унинг пешанасига бир урди. Душман ишлқ этиб тушиди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Юлдузхон раиснинг рўпарасида пошниси баланд этикчаси билан полини дук-дук уриб, худди пойгага шошилиб егизанлаган чопқир отдек депсиниб турарди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. | *Қалтакламоқ, дўппасламоқ. Бердисини айтмаунча, уриб ўлдирма.* Мақол. *Ҳақни айтсанг урларар, хушоматни суярлар.* Мақол. *Ўзини кўтариб урмоқ* ўзини зарб билан ерга ташламоқ. *Юзини чангаллаб куюниб йўғлади ва чидалмаган минутларининг бирида каравотга кўтариб урди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Тиели куруллар (қилич, найза, ништар) билан санжмоқ, тиқмоқ. *Ништар урмоқ. Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса, бировга ур!* Мақол. — *Бектемир бургутдай салчиб, душман қорнига найза урди.* Ойбек, Қуёш қораймас. [*Амаки*] *Энди эшикдан бир қадам нари жилсанг, пичоқни тўрт жойингга урман-у, танингни қонинг-*



га белайман. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Назирқулнинг кокилига эшоннинг ўзи тир урди. С. Ахмад, Хукм.

3 Мўлжалга олиб тегизмоқ; отмоқ. Нишонга аниқ урмоқ. Икки юз метрдан мўлжалга урмоқ. Бир кесак билан икки қаргани урмоқ. Мақол.

4 Бирор томонга тезлик билан йўналмоқ. Эшиги ҳар очилганда ундан чиққан олоқ буғ худди пуфлагандай юқорига урар. А. Қаҳҳор, Сароб. Илқ намлик иси гупиллаб димоққа урарди. И. Раҳим, Ихлос. **Ўзини урмоқ** 1) тезлик билан йўналмоқ, югурмоқ, отилмоқ. Кўйлар машина сигнализдан кўрқиб, ўзларини сойга урдилар. Ойдин, Фарходлар; 2) кўчма бутун борлиги билан ёпишмоқ, берилмоқ. Уқишга ўзини урмоқ. — Саман той серкўкат, серсув жойга келиб қолганидан хурсанд бўлгандай, «Оқтошнинг ёнига бориб ўтга ўзини урган эди»: Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Таралмоқ, ёйилмоқ. Ранги қочинқираган чиройли юзига сезилар-сезилмас бир қизиллик урди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Рашианбек йиғлади.. Икки наркас хумор кўзга ёш урди. «Равшан».

5 Шиддат билан ёғмоқ. Дўл урди. — Шу кунни бутун кун ёғир майдалаб уриб турди ва кенга яқин қорга айланди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Шиддат билан эсмоқ. Холмурод бошини кўтариб, совуқ шамол уриб турган деразага қаради. Р. Файзий, Уч қиз. Оқшом шабадаси дарров қизнинг юзларига ғир этиб урди. Ойбек, О. в. шабадлар.

6 Ювиб ўпирмоқ, емирмоқ, бузмақ. Тошқин урди. Сув урди. — Бу йилги сел, бугун сойнинг у томонини олса, эртасига бу томонини уриб кетаверди. И. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

7 Бир маромда зарб билан ҳаракат қилмоқ, тепмоқ. Беморнинг томири билинар-билинмас уриб турар эди. — [Болтабой] отдан тушиб, уни дарахтага боғлар экан, уй ичидан чиққан қинга-инга деган товушни эшитиб қолиб, қораги дуқиллаб урди. Ж. Шарипов, Саодат.

8 Нобуд қилмоқ, шикастламоқ. Янги униб чиқётган майсаларни совуқ урибди. Болани ёзда эҳтиёт қилинг — офтоб урмасин. — Қўндаланг культивация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмаса қалин кўчатларни гармсел уради. И. Раҳим, Ихлос.

9 с. т. Беркитмоқ, яширмоқ. Соқоли кампир пулни ҳаяжон билан киссасига урди-да, Нурицинг юзини очди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кеч билан ўзим бошиқ таначани сўйиб, ёғ-ғўштини хумга урдик. Ғ. Фулом, Шум бола. [Элмурод] пайт пойлаб, нон бурдаларини қўйнига уриб, бостирма тагига олиб чиқиб ёб оларди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

10 Лой, кесак, ғишт ва ш. к. ёрдамда бирор нарса қўрмоқ, бунёд қилмоқ. Девор урмоқ, Пахса урмоқ. | Девор билан беркитмоқ, Токчани ур-

моқ. Тешикни урмоқ. Эшик ўрнини урмоқ.

11 Солмоқ, қўймоқ, босмоқ. Эшакка нўхта урмоқ. Отаг эгар урмоқ. — Бир неча солдат келиб маҳбусларни ушлади, ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Қўтос тақиб бўйни узун жийронга Қирқ қуббали юган урди бошига. «Равшан».

12 с. т. Истеъмол қилмоқ; емоқ, ичмоқ. Шароб узум сувидан тайёрланганидан ажойиб ичимлик, ўзи хуш-тағам, бир кеса уриб олсангиз, вақтингиз чор бўлиб кулаверасиз. М. Осим, Тўмарис. Хилватни саҳиҳ айлаб, Туида урдим ошимни. Ҳамза.

13 с. т. Танқид қилмоқ, ёзиб камчилигини очиб ташламоқ. Ота-бувамни кавлаб, газетага уриб чиқилди. Ш. Ризо, Қор ёғди, илзар босилди.

14 Ж. к. билан келган баъзи отларга боғланиб, ниманидир шу отдан англашилган баландликкача етганлигини билдиради. Қулф уриб яшанган беда белга уради. Лой тиззага уради. Сочи тақилига урадиган қиз. — Майдонда бизникилар кўриямас эди. Қор белга урар эди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

15 Баъзи отлар билан боғланиб келиб, шу от маъносига боғли қўшма феъл ясайди, мас. қарс урмоқ, бирқ уриб ривожланмоқ, лоф урмоқ, мавж урмоқ, сабза урмоқ, ниш урмоқ, чарх урмоқ, жавлон урмоқ, сувга урмоқ, йўлдан урмоқ. — Девор соат жимликни бузиб, эринмай ўн икки марта жом урди. С. Ахмад, Хукм. Занг урганда йўталиб, занг урганда акса урасан, билдинеми? С. Ахмад, Хукм. Ота-бола чопонларининг этакларини бар уриб, қазувага жўнаб кетдилар. Ж. Шарипов, Ҳоразм.

◆ Арвоҳ урсин қ. арвоҳ. Ерга урмоқ қ. ер. Жигаридан (ёки юрагидан) урмоқ ошиғу шайдо қилмоқ. Инобатхон институтнинг биринчи курсидаёқ менинг жигаримдан уриб қолган эди. Файратий, Довдираш. Жуфтакни урмоқ қ. жуфтак. Йўлдан урмоқ ай. йўлдан чиқармоқ қ. йўл 13. Кўнгилга урмоқ қ. кўнгил. Оёғига болта урмоқ қ. болта. Оғзига урмоқ қ. оғиз 1. Тарозидан урмоқ кам тортмоқ, кам тортиб киши ҳақиға хиёнат қилмоқ, алдамоқ. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради қ. чумак 11. Юдузни бенарвон урадиган қ. бенарвон.

УРНА [р<лат] 1 Махсус куйдирилган мурда хокини асраш учун қилинган идиш.

2 Сайловда бюллетенлар ташлаш учун мослаштирилган махсус яшиқ; қути.

3 Турли чиқинди, папирос қолдиқлари ташланганидан махсус идиш.

УРОЛОГ [р] Урология мутахассиси, урология врач.

УРОЛОГИК [р урологический] Урологияга оид. Урологик кабинет. Урологик клиника.

УРОЛОГИЯ [р<грек] Медицинанинг таносил ва сийдик йўллари касалликлари, уни даволаш ва профилактикасини ўрганиш билан шуғулланганидан тармоғи.

УРПОҚ с. т. Урвоқ. Урвоқингда бўлса, урвоқинга татийди. Мақол.

УР-СУР Жанжал, тўполон; муштлашиш, уриш. Умуман айтганда, маҳалла аҳил, аммо гоҳ ҳонадонлар орасида олди-қонди ғийбат, ур-сурлар бўлиб туради. Ойбек, Болалик. Печанча қонли жанг, Ур-сур бўлса ҳам, Лекин тетиқ қоядай Турди муштажкам. Шухрат.

УРТИЛМОҚ уртмоқ фл. мажҳ. н. Уфққа майин атлас уртилган, узоқда улғвор қад кўтарган Қозигурт хўмрайиб турибди. Ойбек, Болалик.

УРТИНМОҚ уртмоқ фл. ўзл. н.

УРТМОҚ эк. Ураб олмоқ, қопламоқ, беркитмоқ. Хотин бошини қатти рўмол билан уртиб олади. Қитобларни қоғоз билан уртиб қўймоқ.

УРТУҚ эк. Сирдан қоплаб турувчи парда. Лойқа сув кўккида пуфакдек оқиб, Қаерга борасиз, енгил кўпиклар. Бир чўп, бир ҳасга илашмак билан Йиртилар юздан сиртли уртуклар. Файратий.

УРУШ 1 Қабилалар, давлатлар ёки ижтимоий сифлар ўртасидаги уюшган қуроли кураш. Гражданлар уруши. Иккинчи жаҳон уруши. Улғ Ватан уруши. — Урушининг иккинчи илли отаси армияга кетди-ю, қўлида хунари йўқ она икки бола билан қолди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Қурол воситасида олишув, жанг. Олқорда бўлган уруида Исҳоқ афандига ўқ тегди. А. Қаҳҳор, Қўр кўзининг очилиши. Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди. А. Қодирий, Утган кунлар.

УРУҒ 1 Ўсимликнинг муртақ, озик моддалари ва қобикдан иборат ҳосили; дон, тухум. Социланган уруғ униб чиқди. Бемаза қовуннинг уруғи кўп. Мақол. Тер тўкиб сочанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ. Мақол. | Уруғлик. Уруққа майда картошклар ажратилди. — Қўк-ламда она-бола тоғ атагидаги қўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб лалми бурдой экишди, лекин қурғоқчилик бўлиб уруққа ҳам чув тушишди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 биол. Эркаклар жинсий беши ишлаб чиқарадиган, жинсий ҳужайралардан иборат суюқлик; сперма; маний.

3 Ипак қурти капалагининг туҳуми; курт уруғи.

4 Бир ота-бободан, бир аждоддан келиб чиққан кишилар; авлод, қариндош. Бой, ўз уруғинг экан, яши муруват қилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Бўлса бўлар, бўлмаса хотиннинг уруғи Ҳиротдан келган эмас! А. Қаҳҳор, Томошабоғ. Ота уруғ, ота туфайли, ота томондан қариндошлар. Она уруғ она туфайли, она томондан қариндошлар.

5 Ибтидий-жамоа тузумида: ўзаро



қон-қардош бўлган кишилардан иборат дастлабки асосий ташкилот, уюшма, жамоа. *Илгари оқоқоллар бошчилигидаги ҳар бир уруғ ўзини бир-биридан юқори қўяр, бир-бирининг одатидан, тилидан қулар эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Широқ бизнинг уруғдан. Ўзи эртаки, дostonчи доно чол. М. Осим, Широқ.*

6 *кўча* Тарқалиш, юзага келиш манбаи; сабаб. *Низомулмулк фитна уруғини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда.* Ойбек, Навоий. *Тинчлик уруғларидир Йегит эккан чигитлар.* Уйғун. *Кемберди қишлоғидан Киевгача бўлган масофа жуда яқин бўлса ҳам, .. озгидан ажал уруғини сочиб турган сон-саноксиз дот ва дзотларни ва пулёмёт точкаларини айрон қилиш керак бўлар эди.* А. Раҳмат, Эълик бир баҳодир.

◆ *Анқонинг уруғи қ. анқо.* Уруғини ўйнатмоқ ниҳоятда азоб бермоқ. *Бир томчи қони қолғунча уруғини ўйнатади.* С. Исмоилзода, Темур. *Уруғини қуритмоқ* 1) авлоди билан қириб юбормоқ. [*Умарали:*] *Нусратилла ака, мен-чи... мен ҳар қандай душманингизнинг уруғини қуритаман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) батамом йўқ қилиб юбормоқ. [*Дадажон:*] *Муродова яна бир-икки йил турадиган бўлса, чилимининг уруғини ҳам қуритадиганга ўхшайди.* И. Раҳим, Ихлос.

**УРУҒ-АЖДОД** Бир ота-бободан тарқалган кишилар; уруғ, авлод. *Бел қувати — мададилдан, Ҳам уруғим-аждодимдан, Ғўрўғли валламатимдан, Қиблагохдан жудо бўлдим.* «Равшан».

**УРУҒ-АЙМОҚ** Қариндошлик муносабати билан ўзаро боғланган ва бир жойда яшайдиган кишилар; қариндош-уруғ. *Бу ерда [Тошкентда] уруғ-аймоқларим билан кўришиб бўлгандан кейин муаллим Эшонхўжани кўрдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Елена ҳам асли тоғлик бўлиб, кўпдан тоғ ҳавосини, .. тоғдаги уруғ-аймоқларини соғинган.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**УРУҒДОН** 1 *анат.* Эркаклар жинсий органининг уруғ ишлаб чиқарувчи бези.

2 *бот.* Ўсимликнинг уруғ етиштирувчи ва сақлаб турувчи қисми, қобиги.

**УРУҒДОШ тар.** Бир уруғ аъзоси, уруғ. *У билан уруғдошимиз.* — *У [Ойнагул] ҳам ёвмут қизи. Ўз уруғдошини беҳуда йўқотимас...— деди Фарҳод Дурдига.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

**УРУҒДОШЛИК** 1 уруғдош с. белги оти.

2 *тар.* Кишилар уруғига, аждодига, наслига қараб ижтимоий группаларга уюшадиган давр. *Уруғдошлик тузуми. Уруғдошлик жамияти.*

**УРУҒЛАМОҚ** қ. х. Уруғ хосил қилмоқ. *Беда уруғлай бошлади. Пиёз иккинчи йили уруғлайди.*

**УРУҒЛАНМОҚ** 1 уруғламоқ *фл. ўзл. н.*

2 *биол.* Уруғ (сперма) билан қўшилмоқ (она тухум ҳужайраси ҳақида).

**УРУҒЛИ** 1 *бот.* Уруққа эга, уруғни бор. *Майда уруғли ўт.*

2 Уруғи кўп; серпушт. *Уруғли помидор.*

**УРУҒЛИК** қ. х. Ўсимликнинг экин учун ажратилган ҳосили (дони, чигити, данаги ва ш. к.). *Уруғлик фонди.* — *Бир таноб ердан ҳатто сепилган уруғлик ҳам унмади.* Айний, Эсдаликлар. *Шўрдан норози қилиши мақсадида, улар развёрсткага галла топширганликларига қарамай, сизуларнинг рўзгорга, уруғликка олиб қолган донларини зўравонлик билан тортиб олгансиз.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

◆ *Уруғликка ҳам йўқ (ёки топилмайди) жуда кам, топиш қийин бўлган нарса ҳақида.*

**УРУҒХОНА** Уруғлик сақланадиган жой.

**УРУҒЧИ** Навли уруғ етиштириш иши билан шуғулланувчи киши; уруғчилик мутахассиси, уруғшунос. *Уруғчи агроном.*

**УРУҒЧИЛИК** 1 Ўсимликшуносликнинг навли уруғ етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси; уруғ тайёрлаш. *Уруғчилик хўжалиги.* — *Ҳа, айтгандай, устод шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 *айн.* уруғдошлик 2.

**УРУҒШУНОС** *айн.* уруғчи.

**УРҒ** [а] Анъана сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; одат, расм, таомил. *Ҳар бир халқнинг ўз урғи бор.* — *Биз кўпичча ажойиб, кўрилмаган, ҳалигача урғ бўлмаган ранго-ранг гулларни дасталаганда, «қайси боғда битгану боғбони ким?» деб суриштириб ўтирмаймиз.* «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 240.

**УРҒ-ОДАТ** [а] Урғ ва одат тусига кирган анъаналар; таомил, расм-рўсум. *Замира... эски урғ-одатлар асосига қурилган тенгсиз оилада туғилганди.* П. Қодиров, Уч илди. *Халққа зарар келтирадиган бўлса, у қандай урғ-одат экан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УРЧИМОҚ** Кўпаймоқ, кўплаб насл юзага келтирмоқ. *Пашиа жуда тез урчийдиган ҳашаротдир.*

**УРЧИТИЛМОҚ** урчитмоқ *фл. мажж. н.*

**УРЧИТМОҚ** урчимоқ *фл. орт. н.* *Наҳотки ҳам майин жузли, ҳам думбали дурагай урчитиб бўлмаса?! С. Анорбоев, Оқсой.*

**УРЧУК** Қўлда ип йигириш учун ишлатиладиган, икки томони учли, ўртаси йўғнороқ таёқча, йигириш қуроли. *Кўрғоннинг ичида бир неча қора уй қатор тикилган ва буларнинг олдига ёш болағар икковлашиб... тую юнгидан урчук билан ип йигирадилар.*

Айний, Қуллар. | *Тўқимачилик саноатида: ип йигирув машиналарида ипни пишитиб ўрайдиган қисми; дук, йиг. Бир кило.. пахта чит бўлиб тўқилгунча Минглаб моки отилур, минглаб урчук айланур.* Ғ. Ғулом. *Улар пиллакачилик фабрикасининг кенг, ёруғ корпусларига кириб минглабча урчуқларга майин ипак толалири ўраётган йиешт ва қизларни кўришибди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

**УРҒОЧИ** Хотин жинсидаги ҳайвон, жонивор. *Урғочи айиқ. Урғочи бузоқ.*

**УРҒУ** 1 *лингв.* Сўз таркибидagi товушлардан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиш ҳодисаси. *Урғу белгиси урғуси унли устига қўйиладиган диакритик белги.*

2 Нутқ жараёнида бирор сўзнинг маъносига алоҳида диққат жалб этиш мақсадида уни бошқаларидан ажратиб, кучлироқ айтиш. *Мамажон аки унинг [инженерининг] «ўртоқ» сўзига урғу берганини сездим.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УРҒУЛИ** *лингв.* Урғуга эга, урғу тушган, урғу билан айтиладиган. *Урғули бўғин. Урғули унли.*

**УРҒУСИЗ** *лингв.* Урғуси йўқ, урғу тушмаган. *Урғусиз бўғин.*

**УСКУНА** [а] Муассаса, корхона учун зарур бўлган нарсалар, ашё; жиҳоз. *Ошхона ускуналари. Мактаб ускуналари. Лаборатория ускуналари.*

— [*Ғуломжон:*] *Тақсирим менинг мактабимни горат қилдим, ускуналарини ёндирдим, деб хурсанддилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Қасб-хунари иши учун зарур бўлган қурул ва мосламалар. Дурадгорлик ускуналари. Наққошлиқ ускуналари.*

**УСКУНАЛАМОҚ** Зарур нарсалар, асбоб, қурул ва ш. к. билан таъминламоқ, жиҳозламоқ. *Лабораторияни янги техника билан ускуналамоқ.* — *Электрстанция қуриш. Забодинизни ускуналамоқ.* Н. Сафаров, Уйғонини.

**УСЛУБ** [а] 1 *ад.* Ёзувчининг бирор асар ёки адабиёт жанрининг тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос йўли, усули; стиль. *Бадий адабиёт услуби. Газета услуби. Илмий асар услуби. Ёзувчи услуби. Ойбек услуби.* — *Ҳиротдек шаҳри азим йўқ, — деб беҳуда айтмайдилар, — деди у ҳар вақтдагидек ишў услуб билан сўзламоққа тиришиб.* Ойбек, Навоий.

2 Ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул. *Раҳбарлик услуби. Сузиш услуби.* — *Мирзачўл пахтакорларининг иш услуби, бой тажрибаларидан оз бўлса-да ўрганган эдики, бу ерда сувчи этиб тайинланган, у ўз ҳамқилишларини хурсанд қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УСМОНИЯ** *эск. муз.* Классик куйлардан бирининг номи.

**УСМОНЛИ:** усмонли турк туркларнинг қадимий номи (турк империясининг асосчиси Туркия султони Усмон пошшо I исмидан).

**УСТ** 1 Нарсаларнинг тепа сирти, юзаси, сатҳи. *Том усти. Шкаф усти. Кўрпалар сандиқ устига тахланган.*

— Ясси қора столларнинг ён-вери одамга, усти эса уюм-уюм китобга тўла. П. Қодиров, Уч илдини. Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди С. Анорбоев, Оқсой. Ичкари ҳовлининг йўлаги ҳам наригисидек усти ва бағри ёпик, қоронғи. А. Қодирий, Утган кунлар. | Нарсаларнинг энг юқори қисмидаги жой, тепаси, боши. *Тоғ усти. Тепалик усти. Дарахтнинг усти.* — Рота адир устига чиққанда унинг нариги томонидан чароғон бир ёқди кўринди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Нарса ва кимсанинг ташқи томони, таши, сирти. *Пальтонинг усти. Идишининг усти.* — [Гулсумби:] Усти кўк сирли катта челақни олиб сигир соққани оғилхона томон кетди. Ойбек, Қутлуг қон. Сидиқжон этикни чироққа солиб устини, ичини кўрди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Яшил бўёқ билан бўялган, уст томони ўймакор, панжарали, катта ва оғир дарвозага етганда, йигитнинг юраги бир оз ўйнаб кетди.* Ойбек, Қутлуг қон. Қизил матога зар ва ипак чатган — ҳинд кимҳобидан қилинган зийнатли чопони унинг устида эди. Г. Расул, Адолат.

3 Кийим, кийимлар мажмуи; уст-бош. *Усти юпун, қорни оч, озгин бола унинг ўзи эмасдек туюлди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Мен ёшармай ким ёшарсин, Курбонбой ога, устим бутун, илигим тўқ.* А. Умар, Муктор.

4 кўчма Бирор кишига онд маъсул-лянт, жавобгарлик; зимма. *Ана ўша қизининг йўқ бўлиши ҳам сенинг устинга тушиб турибди.* С. Аҳмад, Хукм. *Бу йўлда қанча зарба бўлса, устига олишга ҳозирман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 3-ш. эгалик ва ж. к., ў. п. к., ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. устига, устида, устидан).

◆ **Кўз(лари) устида** тутмоқ авайламоқ, ардоқламоқ. *Мен оғайнларни кўзларим устида тутаман, уларни муҳтожлик чоғларида кўрсан, ўзимни гаров қўйиб бўлса ҳам, эҳтиёждан чиқаришга тиришаман.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Пичоғи мой устида қ. мой. Усти ялтироқ — ичи қалтироқ* кўринишигина яхши бўлиб, аслида ёмон; шаклан яхши, мазмунан ярамас. *Ўз устида ишламоқ* онгини, билиминини ёки маҳоратини ошириш, тақомиллаштириш учун ҳаракат қилмоқ. *Хабаринг йўқ, бошлиқ бўлдим, давр сурдим, Ўз устида ишламадим «юз-юз» урдим.* «Муштум», 1959, № 15. *Ўлганнинг устига кўмган (ёки тепган)* бир кўнгилсиз воқеадан кейин яна шундай кўнгилсиз воқеа юз берганда айтиладиган ибора. *Офтоб ойим кутмаган жойда, қутидор тамоман Отабекни иккинчи уйлантириши тарқфида туриб сўзлар ва ўлганнинг устига чиқиб тепар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**УСТА** [ф-т] 1 Бирор касб-хунар билан шуғулланувчи малакали мутахассис. *Соатсоз уста. Этикдўз уста. Тикувчилик устаси. Иш устасидан кўрқар.* Мақол. — *Бу бинони ким кўрган, Кўк билан улаштириб? Қоматин заб ўхшатган Устаси келиштириб.* Қ. Муҳаммадий. [Тўлган:] *Оғил солган усталарга доим қараидим, лекин бировдан бир чақа сўраганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Уста солмоқ* уста, мутахассис ёллаб ишлатмоқ. *Сидиқжон онаси кутмадан ҳам ортиқроқ ғайрат қилиб, хаши-паша дезунча ёғоч, сомон, бўйра, тахта ва бошқа нарсаларни ташиб олди ва тездан уста солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Маълум касб ёки хунарни эгаллашга ўргатувчи; раҳбар, устоз, мастер. *Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомда йўрғалар.* Мақол. — *Устанинг шогирди — ўн тўрт яшар Йўлдош дераза олдида ўтирарди.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Бирор ишни моҳирлик билан бажарадиган; моҳир. *Бадий сўз устаси. Юқори ҳосил усталари. У шахмат ўйнашга уста.* — *Уралда қоламиз ва Ўзбекистонга уста пўлат қуювчи бўлиб борамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қишиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтирди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Баъзан шундай ҳам бўладими, санъат усталари бой-бадавлат колхозларга тез-тез борадилар-у, райондан узоқ бўлган, айниқса камҳосил бўлган колхозларга камдан-кам келдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Атоқли от олдида келиб, шахннинг бирор касб-хунар мутахассиси эканлигини билдиради. *Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

◆ **Устаси фаранг қ. фаранг.**

**УСТАБУЗАРМОН салб.** Бирор нарсани тузатаман, яхшиламан деб уришиб, уни бузиб қўювчи, ишдан чиқарувчи, қош қўяман деб, кўз чиқарувчи киши. *Бола деган сал бўйи чўзилгандан кейин, мол боқади, бозор-ўчарингни қилади. Наҳотки тарақ-тарақ қилиб, устабузармон бўлиб ўтирса.* Ойдин, Ўзига монанд. *Буни нон ейишдай осон деб ўйламанлар, устабузармонлар.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УСТАВ** [р] Иш тартиби, унинг бажарилиши, татбиқ қилиниши ва ташкил этилишини белгилувчи қонун-қондалар мажмуи; низоом. *Ҳарбий устас. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави. Қишлоқ хўжалик артели устави. Уставга мувофиқ ҳаракат қилмоқ.* — *Уставнинг моддаси эмас, ҳатто верулигача назарда тутилар, ижроси қаттиқ қўллик билан талаб этилар эди.* Шухрат, Шинели йиллар. *Пидёа аскарларнинг жанговар уставида, командир-*

*нинг буйруғи — қонун, командир нотўғри буйруқ берса ҳам, жангчи аввил буйруқни бажариб, ундан кейин ишқоят қилиши керак, дейилган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**УСТАКОР** [ф-т] 1 Маълум иш ёки хушар бўйича усталарга бошчилик қилиб, уларни бошқарувчи, бош уста; корхона бошлиғи. *Уста Олим билан уста Фарфининг сўзларидан, илгаридан бир устакорникида ишлаганликларини.. ва шундан сунг [уста Олим] ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлаб бошлаганлиги аёнлашди эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ном чиқарган уста; усталарнинг устаси.

**УСТАКОРЛИК** 1 устакор с. касб оти. *Устакорлик қилмоқ.*

2 Устакорга, устачиликка хос. *Номмаълум киши қандайдир бир ишни бажармоқчи бўлиб, ҳар турли устакорлик асбобларига диққат билим кўз ташлади.* Ғайратий, Тун қўйнида.

**УСТАЛИК** уста с. белги оти. *Ҳаммасини ҳам қўйинга-а, гапга усталиги.. ва гап орасида қулиб қўйишларини қаранг.* Ойдин, Садаған бўлай, командир. *Юрьев бу йўлини ана шу ноқулайликларидан усталик билан фойдаланади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Биканинг уйида қанчадан-қанча жиҳозлар.. кимхоб тўшаклар, усталик билан ишланган Хива ёйма кўрпалари.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**УСТАМА** 1 Пул ҳисобида устига қўшиб бериладиган; қўшимча. *Улар [теримчилар] бажарган иш учун турли катгеориялар билан устам ҳақ тўланади.* С. Пирматова, Теримчилар қиссаси. *План ошириб бажарилса, устам мукофот ҳам чиқади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Қўшимча равишда, такроран, яна. [Шум бола:] *Бир неча тарёкийлар менинг ҳижоляриمدан ўзларидан кетмай деб қолдилар, баъзилари ҳозиргина еган афюнлари эсларида йўқ, яна устам афюн олдилар.* Ғ. Фулом, Шум бола.

3 Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлмаган, фақат уни тарқатиш билан боғли бўлган; қўшимча равишда сарфланадиган (меҳнат, харажат ва ш. к. ҳақида). *Устам харажатлар.*

**УСТАНОВКА** [р] тех. Бирор жойга ўрнатилган механизм, машина ва ш. к. *Электр установка.*

**УСТАРА** Соч, соқолни қириш учун ишлатиладиган ўткир тиғли пўлат асбоб. *Маҳкам ака Сарсенбойнинг сочини устарада қира бошлади.* Р. Файзий, Сен етим эмасан. [Машариф] *сочини устара билан қирдиран, узун мўйлови ўзига ярашиқ.* Н. Мақсудий, Машарифнинг гинаси.

**УСТАХОНА** [ф-т] 1 Бирор нарса ясаш, тайёрлаш ёки ремонт қилиш учун махсус жиҳозланган кичик муассаса, мастерской ва унинг биноси. *Дурадгорлик устaxonаси. Тикувчилик*

**устахонаси.** — Умарали механика устахонаси олдига қаторлашиб турган машиналар учиди. «Победага ҳаваас билан қаради. И. Раҳим, Ихлос. Максимага колхоз устахонасини топширди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Саноат корхонасининг асосан ремонт ишларини олиб борувчи бўлими. **Темир йўл устахонаси.** Авторемонт устахонаси.

3 Рассом, ҳайкалтарош ишхонаси; студия.

**УСТАЧИЛИК** Бирор нарса ясаш ёки ремонт қилиш. *Устачилик қилмоқ.*

**УСТ-ЕОШ** Оёқ кийимдан ташқари барча кийимлар. *Узоқ йўл юриб ҳорган, уст-боши чанг маҳбусларнинг аҳволини кўриб, Бек ачинди. Х. Фулом, Машғал. Қамишлар орасини ёриб қайиқ қирғоққа сузиб келди, уст-боши ҳўл бўлган Пирнафас ака зикакни қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм. Уст-боши янги, озода, Юриб келар ариқ бошидан. Э. Раҳим.*

**УСТВОШ** с. т. Уст-бош.

**УСТИГА** кўм. вазифасида 1 Бирор томонга йўналишни ифодалайди; теласига. [Азизбек] қитчоқларнинг қайтадан Тошкент устига келишларини эҳтимол ҳам тутмас эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Отлиқ аскарларимиз душман устига от солдилар. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши. Ҳамида.. яна сўзни Чехов устига бурди. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.*

2 Ўзидан аввалги сўз билан боғланиб келиб, ундан англашилган нарса ёки воқеликдан ташқари, бошқаси ҳам мавжуд эканлигини ифодалаш учун ишлатилади. [Қодирқул:] Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўй ҳам бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Ўзидан аввалги сўз билан боғланиб келиб, ундан англашилган кимса ёнига яна бошқаси орттирилишини, қўшилишини ифодалаш учун ишлатилади. *Хотин устига хотин олмоқ.* — Қизимни кундош устига юборишга тиш-тирноғим билан қаршман. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Бунинг устига** бундан ташқари, яна. *Бунинг устига душман жуда қулай маррага жойлашиб олган. Н. Сафаров, Тилсимчилар. Дард устига чипқон (чиққандек) қ. дард 1.*

3 Такрорланган сўзлар орасида қўланиб, улардан англашилган воқелик кетма-кет содир бўлишини ифодалаш учун ишлатилади. *Хотин сочини юлиб дод устига дод соғди. С. Аҳмад, Хукм. Узбеклар азар жудда катта хурсандчилик тилайдиган бўлсалар, «Тўй устига тўй бўлсин!» дейишади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

4 Иш-ҳаракат, ҳодисанинг бўлиб турган пайтини ифодалаш учун ишлатилади. *Уларнинг уришиб тургани устига бориб қолдим.*

5 Иш-ҳаракатнинг йўналиши ва содир бўлиш ўрнини, жойини билдиради. *Туя устига ўрнашиб ўтирмоқ.* —

Полон синчалогини тўнғак устига қўйиб кўзини юмди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзининг очилгани. *Ун беш одим боғач, бир қабр устига келиб тўхтади. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.*

◆ **Бош устига қ. бош.**

**УСТИГА-УСТАК** реш Бу етмагандай, бунинг устига, бундан ташқари. *Тушда иштаҳа, бўлмағи, қовун билангина таҳоммул қиланларидан, қорин оч, бунинг устига-устак жазирама офтоб. И. Қалаидаров, Шохидамас, баргида.*

**УСТИДА** кўм. вазифасида 1 Бирор нарса, иш-ҳаракат ёки ҳодисанинг содир бўлиш ўрнини, жойини билдиради. *Қўприк устида учрашмоқ.* — Шовқин-сурон орасида қўрғон беги от устида қўрғоннинг у бошидан-бу бошига чопарди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Ўзидан аввалги от билан боғланиб, шу отдан англашилган нарса содир бўлиб турган пайтда ёки шу нарса туфайли бирор иш-ҳаракат бўлганлигини билдиради. *Аччиқ устида ҳужжатни йиртиб юбормоқ. Ғазаб устида укасини ҳам жеркиб ташлади.* — [Қосимжон:] *Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Элибек асаб устида зижкни қўлоб ёпиб чиқиб кетганини ташқаридасина пайқайди. А. Мухтор, Туғилиши.*

3 Ўзидан аввалги от билан боғланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши шу отдан англашилган нарса ёки воқеага боғли эканлини кўрсатади. *Гап айланиб Шарофат хола билан унинг келини Олияхон устида тўхтади. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Даминжон.. иш устида Шермат ака билан бир неча бор сан-манга бориб қолди. А. Ҳайитметов, Пулат бармоқлар.*

◆ **Оёқ устида қ. оёқ 1. Қизик устида қ. қизик 1 4. Қил устида қ. қил.**

**УСТИДАН** кўм. вазифасида 1 Иш-ҳаракатнинг бирор нарса усти бўйлаб йўналишини билдиради. *Ариқ устидан ўтмоқ. Шаҳар устидан турналар учиб ўтди.* — *Снаряд лагер устидан илондек пишқириб ўтди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Жўра पोшиа девор устидан нарёққа қаради. М. Исмонлий, Фарғона т. о. | Устига-устак, қўшимча ҳолда. Қостюм устидан плаши киймоқ.* — *Беқасам тўнларнинг устидан тўрт-бешта ипак қийиқларни боғлаб, отга минмоқчи бўлдим. Ғ. Фулом, Тирилган мурда. Йиғлама, Турғунӣ, йиғлама. Қавуш-маҳсинени кий. Сочинини бошинга ўраб, устидан рўмол боғлаб ол. А. Қаҳҳор, Мاستон.*

2 Ўзидан аввалги от билан боғланиб, шу отдан англашилган нарсага қўшимча равишда бирор нарса истеъмол қилинганлигини билдиради. *У ишўра устидан паловни ҳам роса туширди.* — *Домла икки ишиша пивонинг устидан юз грамм ароқни битта отиб ўрnidан турибди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

3 Ўзидан аввалги сўз билан боғланиб, иш-ҳаракатнинг шу отдан англашилган кимса ёки нарсага қаратилганлиги, шу кимса ёки нарса ҳақида эканлини ифодалайди. *Шариатни масхарабозликка айлантириб, кўнгли тоза хотинларнинг устидан иғво қилиб.. юреаниннг жазаси, ҳал! А. Мухтор, Опа-сингиллар. Сиз шу чоққача менинг устимдан муваффиқият қозониб келдингиз. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

◆ **Устидан чиқмоқ** бирор нарса, ҳодиса содир бўлаётган пайтда бориб ёки келиб қолмоқ. *Эртаси.. ходимгар меҳмондорчилик устидан чиқди. А. Қаҳҳор, Мирзо. Вьядасининг (ёки сўзининг) устидан чиқмоқ* олинган мажбуриятни бажармоқ. *Ҳўш, ҳали бошқармадагиларни югуртираман, деб керилиб кетган эди, сўзининг устидан чиқаятими? Ш. Фуломов, Азим дарёман дебоп.*

**УСТКИ** 1 Юқорида, тепа қисмда жойлашган; юқоридаги, тепадаги. *Устки тиш. Устки жир. Устки қатлам. Уйнинг устки қавати.* — [Қамолхонев] *Сулаймоновнинг кулмаганини кўриб, ўзини жиддий кўрсатиши учун, қоиларини чимирди, устки лабини сўра бошлади. А. Қаҳҳор, Икки ерти бир бутун.*

2 Нарсанинг ташқи қисмида, сиртида жойлашган; сиртидаги. *Нормат бинтинг противогаз халтасининг устки чўнтасига солиб қўйди. И. Раҳим, Чин [муҳаббат. | Бошқаларнинг устидан, сиртидан кийиладиган. Устки кийим.*

3 кўчма *Виринчи қарашда, юзаки. Улар орада ўтган гаплардан бу ёш йигитнинг фикрлари устки кўринишдан кўра кўрқинчлироқ эканига ишонмоқда эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**УСТМА-УСТ** реш 1 Бирин устига бошқасини қўйиб, қалаштириб. *Қитобларни устма-уст жойламоқ.* — [Маҳмуд Торобий] *бозор кунлари икки ичинини икки ёнига олиб, устма-уст тахланган галлий-элакларни орқалаган ҳолда, пиёда Бухорога жўнар. М. Осин, Маҳмуд Торобий.*

2 Бирин-кетин, кетма-кет. *Мадамин пастга тушиб Худойқулнинг биқини ва кўкрасига устма-уст тепди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Душман] буталарни оралаб юз эллик метрча яқин келганда [Аҳмаджон] устма-уст икки сидра ўқ ёғдирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**УСТОД** [ф-т] кт. айн. *устоз. Ленин билан партиямиз бирга устод. Ғ. Фулом. Аваз ҳар кунни эрталаб улуг устодларининг китобларини ўқиб, дарс оларди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**УСТОДОНА** [ф-т] реш *Устодларга ўхшаш, устодларга хос. Мажидиддин парвоначи.. бармоқларини енгилгина қисирлатиб, устодона тур билан мажлисга қаради. Ойбек, Навоӣ.*

**УСТОЗ** [ф-т] 1 Касб, хунар, илм ва ш. к.ни ўргатувчи; ўқитувчи, му-

аллим. Устозидан ҳам ўзар, Шогирдлари бор экан. Қ. Муҳаммадий.

2 Йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий; раҳнамо, ўқитувчи, муаллим. Ленин деган устознинг йўли, Октябрьнинг зўр самараси. Э. Раҳим.

**УСТОЗЛИК** устоз с. маъв. от. Мунис ёмон бир сўз айтмоқчи бўлди-ю, яна устозлик ҳурмати, ўзини тийди. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**УСТОМОН** Жуда усталик, муғомбирлик, хийлакорлик билан муомала қиладиган; айёр, хийлагар, маккор. Тўрахонов устомон, обрўси ҳам баланд, ёлғонни ҳам қойил қилади. Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

**УСТОМОНЛИК** устомон с. белги оти. [Асқозда:] Хатто журъатсиз андишангиз остида ҳам омил устомонлик ётиши қалинчага аён. С. Азимов, Қонли сароб. Унинг [Хўжараҳмоновнинг] .. сўзларидан қандайдир устомонлик баъзан-баъзан кўзга ташланиб қолади. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**УСТУВОР** [ф-т] эск. кт. Маҳкам, мустаҳкам, бузилма. Яна қонлар тўкиб устувор қилдик — Биринчи Октябр йили сингаари. Ф. Фулом. **Устувор турмоқ** 1) қимирламасдан, мустаҳкам турмоқ; 2) қўйма иккиланмасдан бир фикрда қатъий турмоқ.

**УСТУН** I [ф-т] I Томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч. [Қумуш] .. айвоннинг ўрта устунига келиб суянди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бўронбек айвондан ҳовлига тушайтиб, устунга суялиб турган Лаълини чақирди. Х. Фулом, Машғал.

2 **архит.** Бино пештоқи ва шифтининг асосий таянчи; колонна. Театр пештоқининг устуллари. Фойе устуллари. ■ Станциянинг жаҳабат устуллари, ранг-баранг асаниб поезд куттишга чиққан одамлар аста-секин суза бошлаганда, Элмурод тоқат қилолмади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Умуман бирор нарсага кўтариб туриш, осиб қўйиш ва ш. к. учун фойдаланиладиган узун тик ёғоч ёки шу тахлитда ишланган қўрилма. Чегара устуни. Йўл кўрсатувчи устун. ■ Ажалнинг ништарни бағрим йиртади, Шиқирлатиб дор устунга тартади. «Ширин билан Шакар».

4 **физ.** Ҳаво босими ёки ҳарорат ўлчаш асбобларининг тик шиша найчаси ичидаги суяқлик. Симоб устуни пасая бошлади. ■ Суяқлик устуни қанча баланд бўлса, босими шунча катта бўлади. «Физика».

5 қўйма Ишонилган кимса, орқа; таянч, суянчқ. Оиламизнинг устуни. ◆ Дунёга устун бўлмақ абадий яшамоқ. [Исломхўжа:] Ҳалмамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Ж. Шарипов, Хоразм.

**УСТУН** II Бирор жиҳатдан юқори даражада, кучли; ортиқ. Сон жиҳатдан устун. ■ Мирзакаримбойнинг қизи Нуриносининг табиатида ен-

гиллик билан макр устун турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Устун чиқмоқ** (ёки келмоқ) ғалаба қозонмоқ, ғалабага эришмоқ, енгмоқ. Одамларнинг салобати унинг қайғусидан устун келди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**УСТУНЛИК** I Устунга мўлжалланган, устун учун ишлатса бўладиган. Устунлик ёғоч.

**УСТУНЛИК** II устун II с. белги оти. Рамазон қори бу сафар ҳам ўзининг устунлигини ҳис қилар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Шаҳмат ўйинида у мендан устунлик қилади. Сон жиҳатдан устунлик душман томонида эди.

**УСТУНЧА** I устун I I с. кичр. Ариқчалар бўйида .. икки томондан бир-бирига рўпара қилиб, қатор устунчалар ўтказилган. Айний, Эсдаликлар.

2 **бот.** Гулнинг уруғи (оналик) оғзичаси билан тугунчаси оралигидаги найчасимон қисми.

**УСТ-УСТИГА** рўш Иш-ҳаракатнинг такрорланишини ифодалайди; бирин-кетин, устма-уст. Қуч олади қарсак қалблардан, Уст-устига тушади хитоб. Э. Раҳим. Отдан афанди айтган қанот чиқмас ва уст-устига қамчи босса ҳам от югурмас эди. «Латифалар».

**УСТУХОН** [ф-т] айн. суяк. Махсум.. пешинда ейилган гўштдан қолган устухонни тозалай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Устухони йўқ** айн. суяги йўқ қ. суяк. Очиғи, Адашев қариндошчилик, машитбозликка устухони йўқ .. одам экан, қурғур. А. Муҳиддин, Хarakterистика. **Устухони қолган ёки эти бориб устухонга ёпишган** ниҳоятда озиб кетган, қуруқ суяк. Кечқурунлари ухлаш учун ечинаятганда, у озиб-тўзиб, устухони қолган баданига қарамасликка ҳаракат қиларди. Р. Умаров, Ирода енгди. Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонга ёпишди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**УСТҚУРМА** филос. Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий қарашлари ва уларга мос ҳолда юзага келган жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муассасалари. Сиёсий муассасалар иқтисодий негиз устидаги устқурмалардир. В. И. Ленин, Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми.

**УСУЛ** [а] I Бирор нарсага юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили, тартиби; йўл. Ишлаб чиқариш усули. Қоғоз тайёрлаш усули. Масала ечиш усули. Квадрат уялаб экиш усули. Сунъий нафас олдириш усули. ■ — Йеиурманчи аср талабига жавоб берадиган мукаммал мактабларни бу усулда ташкил қилиши маҳол, — деди Абдушукур. Ойбек, Қутлуғ қон. I Бирор иш ёки фаолиятда қўлланадиган йўл-йўриқлар, ҳаракат тартиблари системаси; метод. Уни [Фуломжонни] катта ешдаеиларга хос усул билан ўқитиб, икки-уч ой ичида русча ўқиш-ёзишга ўргатиб

қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. услуб I. Проза усули. 3 муз. Куйнинг ижро этилиши суръати ҳамда бу суръатни бошқариб (тезлатиб ёки секинлатиб) туриш учун бериладиган муслиқнинг имо-ншоралар. Усуллар рақсининг ритмларидир. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Отаси танбур ёки торда машқ қилаётганида, унга доира билан жўр бўлиб, усул бериб турадиган бўлди. А. Мадраҳимов, Моҳир чангчи.

4 Ноз-карашма, ишва; шўх қилиқ, шўхлик. Усул қилмоқ. Гоҳ худою расул, гоҳ гамзаю усул фақат тоат-ибодат билан яшамай, дунё лаззатидан ҳам баҳрамад бўлиш керак, маъносидаги эски ибора. — Хунарингиз гоҳ худою расул, гоҳ гамзаю усул экан-да, генерал, — деди Мардонбек. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**УСУЛЧИ** муз. Куй суръатини бошқариб, унга усул бериб турадиган созанда. Усулларнинг мураккаб турларини ўзлаштирган усулчилар жуда кам бўлади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**УТИЛЬ** [р<лат] с. т. Ишдан чиққан, лекин хомашё сифатида ишлатса бўладиган эски-туски нарсалар, чиқиндилар (темир-терсак, латта, қоғоз ва ш. к.). Утиль тўпламоқ.

**УТМОҚ** Устидан қайноқ сув қуйиб ёки ўтга тутиб жунини, тукини тозаломоқ. Қалани утмоқ. Товуқни утмоқ.

**УТОПИЗМ** [р<грек] Хаёлпарастлик, хом хаёллик. .. бизнинг революциямизнинг илгариси революциялардан фарқи шуки, бизнинг революциямизда утопизм йўқ. В. И. Ленин, РКП(б)нинг IX съезди.

**УТОПИК** [р утопический] I Амалга ошмайдиган, реал эмас, хаёлий; ғайриилмий. Утопик социализм (ёки коммунизм) филос. Маркснинг социализм ҳақидаги илмий таълимотидан илгари вужудга келган, жамият тараққиёт қонунлари ҳақидаги билимга эмас, балки идеал ижтимоий тузум қуриш ҳақидаги орзу-хаёлларга асосланган таълимот.

2 **ад.** Келажакдаги идеал ижтимоий тузумни акс эттирувчи. Утопик роман, УТОПИСТ [р] I Утопик социализм тарафдори.

2 Амалга ошмайдиган, нореал нарсаларни орзу қилувчи, хаёлпараст, хомхаёл одам. Россиямиздаги иккиланувчи элементлар ҳам, .. бизни утопистлар .. деб эълон қилган эдилар, В. И. Ленин, Советларнинг VII Бу тунороссия съезди.

**УТОПИЯ** [р<грек] (16 асрда яшаган инглиз ёзувчиси Томас Морнинг ўзи орзу қилган хаёлий идеал билан ижтимоий тузумни тасвирлаган романи номидан олинган сўз) I филос. Тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятларига асосланмай, идеал жамият ҳақидаги пуч режаларга, хом хаёлларга

асосланиб жамиятни социалистик негизларда қайтадан қуриш тўғрисидаги таълимот.

2 Амалга ошмайдиган орзу, хом хаёл. Социал демократия «тич ва одил» капиталистик прогресс деган бемаъни мешчанлар утопиясига қўшилмайди. В. И. Ленин, Болқон ва Эрондаги воқеалар.

3 ад. Жамият тузумининг идеал келажagini тасвирловчи бадий асар.

**УТОРИД** [а] айн. аторуд.

**УТТИРМОҚ** утмоқ фл. орт. н. Қалани уттирмоқ.

**УФ** унд. с. Бирор нарсдан шикоят, ранжиш, бўғилиш каби туйгуларни ифодалайди. *Уф, ҳаво жудаям дил! Уф, саримсоқ иси келяпти! Уф, ҳамма ёқни тутун босиб кетди! — Уф! Сувадим,— деди Фотима елпигичини силкитар экан. П. Турсун, Ҳитувчи. Хотин паранжиси билан айвоннинг олдига ўтириб олган, уф, деб чайқалди. А. Қодрий, Утган кунлар. Йигит ичкари кирди; қўлидаги портфелини диванга улоқтирди; уф тортди, пешанасига урди. А. Қаҳҳор, Қайғулар.*

**УФЛАМОҚ** Уф тортмоқ. [Отабек] бу қарашда бутун ўтган кунларини яна бир қайта хотирлагандек бўлди ва . . . уфлаб юборди. А. Қодрий, Утган кунлар.

**УФОР** I айн. мушк.

2 муз. Куй ритми ва шунга мос бўлган «Шашмақом» дақс куйларининг номи. *Рубоичи уфор ҳавосига чала бошлади, кокилни тараб ўтирган бола ўйинга тушди. Айний, Дохунда. Чалинади най, чилдирма, дўмбира, Жўшарғижжак, қайнар уфор, дилхирож. Шайхзода.*

**УФУРМОҚ** Ҳаво оқими билан атрофга таратмоқ, димоққа урмоқ. *Анҳор томондан енгил шабада яллиз ҳидини уфуриб эсарди. Ҳ. Умарбеков, Яллиз ҳиди. Гўзал Фарғонадан эган шабада Мирзачўл кўксига уфура ҳайт. М. Икром. Чор атрофда гуллар чаманзор, Хушбўй атрин уфура баҳор. Ҳ. Ҳасанова.*

**УФҚ** [а] Осмон билан ернинг ёки сув сатҳининг кўз иллаган узоқликда ўзаро туташгандай бўлиб кўринган чизиғи. *Ҳарбий уфқда самолётлар пайдо бўлди. Кўзи уфққа яширинди. — Уфқни ўз гавдаси билан тўсган наст-баланд тоғлар қоп-қорайиб . . . кўринади. Шухрат, Шинелли йиллар. | Осмоннинг ерга томон эгилгандай, ер билан кўшилгандай бўлиб кўринган қисми. Кеч кириб, кўзи гарбада ёнбоилаган, уфқ қип-қизил аланга ичида қолгандай бўлди. Ж. Шарипов, Саодат. Энди-энди уфқ ёришмоқда. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.*

**УХЛАМОҚ** I Уйқуга кетмоқ, ухлоқ ҳолатда бўлмоқ. *Бола.. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари эса ҳолдан тийиб, ҳориб, донг қотиб ухлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Уйқуга кирмоқ (баъзи жониворлар*

ҳақида). *Қишда айиқлар ухлайди. | Кўйма Қишда қарахт ҳолатда тушмоқ (ўсимлик, дов-дарахт ҳақида). Куртаклар ухларди.*

2 кўйма Тинч ҳолатда бўлмоқ. *Оғир сукунатга чўлиб Ухларди қишлоқ. Ҳайратий. Пашиша учмас, ухлар унегурлар. Алалайди сойнинг шовқини! Т. Тўла.*

◆ **Етти ухлаб, туш(и)да (ҳам) кўрмаган ёки етти ухлаб туш(и)га (ҳам) кирмаган қ. туш I.**

**УХЛАТМОҚ** ухламоқ фл. орт. н. Саломатой онасини ухлатиб қўйиб, бешик тебратиш билан банд. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

**УХЛАШМОҚ** ухламоқ фл. бирг. н. Болалар ўтирган ўринларида тўмпайиб ё турли вазиятда узала тушиб, бирин-кетин ухлайди. *Ойбек, Қутлуг қон.*

**УХЛОҚ** Уйқу ҳолатида, ухлаган.

**УХУ** тақл. с. Йўтал товушини ифодалайди. *Тойни миниб шаҳарга туш, икки ишиша коньяк ол. Тез. Уху-уху.. йўтал қурсин. Ойбек, Қутлуг қон.*

**УЧ** I I Нарсаларнинг ингичкалашган, ўткир томони. *Найза учи. Ханжар учи. Тикан захри учиди, душман захри ичиди. Мақол. — Жувон Сидиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг арчиди, бирини ўзи тишлаб, иккинчисини пичоқ учиди Сидиқжонга узатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.*

2 Ёғоч, ип, сим каби узун нарсаларнинг томонларидан бири, бир томон охири, боши. *Таёқнинг учи. Арқоннинг учи. — Яна бир йигит дарвозага тирмашиб чиқаятир, настда иккитаси бир-бирининг елкасига чиқиб узун алвоннинг учини унга узатишга уринмоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Раҳимжоннинг бошига тушган калтакнинг бир учи сизга ҳам тегади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 Қўл, оёқ, бурун ва ш. книнг танага қарама-қарши томони, тугаллашиш қисми. *Бармоқнинг учи. Соқолнинг учи. — Акрамжонни бир нав қучоқлаган бўлдим, жувонга эса қўлимнинг учини бердим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Комил кумуш узансига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди. Ҳ. Ғуллом, Машғал. Чўйиб-чўйиб, юрак уриб, оёқ учи билан юриб ўликка яқинлашдик. Ғ. Ғуллом, Шум бола.*

4 Чорбурчак буюмларнинг томонлари туташган жойи, бурчаги. *Фанернинг тўрт учидан ушлаб кўтармоқ. Қийиқнинг қарама-қарши учларини боғлаб тугмоқ. — Кўрпанинг учини кўтариб, қизинг юзига қаради. Ойбек, Қутлуг қон. Бобоқулнинг белбоғининг учини кўзига босди. С. Анорбоев, Оқсой.*

5 мат. Чизиқларнинг ёки сиртларнинг ўзаро туташиб, кесишиб бурчак ҳосил қилган нуқтаси.

6 Нарсаларнинг юқори қисми, тепаси, боши. *Вишканинг учи. Дарахтнинг учи. Столбанинг учи. — Терак-*

лар учиди ўйнар қизил нур. Ҳайратий. Бир кун ирикнинг учига чиқиб, . . . атрофни томоша қилдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

7 кўйма Бирор нарсанинг бошланмиш қисми, боши. *Сир(нинг) учини сўз очар. Мақол. — У [Элмурод] ҳали бу муваффақиятнинг фақат учигина эканини ҳеч бир унутмади. П. Турсун, Ҳитувчи.*

◆ **Уч бермоқ** дунёга кела бошламоқ, ярала бошламоқ, маълум бўлмоқ. *Аmmo бу йўлда ҳозирдаёқ уч бериб турган бир қусурнинг олдини олиш керак. У. Норматов, Табиийлик йўлида. Кўз учи билан қарамоқ кўз қирнини ташламоқ, қиё боқмоқ. Учига чиққан салб. Ўта кетган, ниҳоятда уста. Учига чиққан фирибгар. — Айёрликда учига чиққанман, деб мақтансам ёлгон эмас. Ойбек, Улуғ йўл. Аччиғи бурнининг учиди қ. аччиқ 7. Енг учиди яширин ҳолатда, яширинча. Ефимнинг гапига кўра, катта шаҳарлардаги корхоналарда ишчилар. . . курул яргони енг учиди бир-бирларига узатишга теган эмис. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**Тил(ининг) учиди** истар-истамас, шунчаки; зўрма-зўраки. *Улар тилининг учиди яхши дезани билан, ичидан ёмон кўради. Мирмуҳсин, Қизил дурралар. Оёқ учиди (ёки учи билан) кўрсатмоқ назар-писанд қилмаслик, менсимаслик. Ҳатто ўрта ҳол оила қизларини оёқ учи билан кўрсатиб, томоша қилар . . . эди. Ойбек, Қутлуг қон. Тилмининг учиди турибди қ. тил. Қўл учиди 1) истар-истамас, шунчаки. Қўл учиди кўришмоқ; 2) қийинчилик билан, зўрға. Бу янги дўконда омондордаги молларнинг намунасининг сақлар, билмаган киши тасодифий тушган моллар билан савдо қилиб, қўл учиди, тирикчилик қилатурган дўкондор гумон қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Учини чиқармоқ шипшитмоқ, шипшитиб қўймоқ; айтмоқ. Фақат сизгагина учини чиқаришим мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**УЧ** II снқ сон I 3 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Уч қарра уч тўққиз. Уч йил бурун. Уч ойдан кейин. Бир бўлган, икки бўлмамай қолмас, икки бўлган, уч бўлмамай қолмас. Мақол. — Эртасига соат бирда уч партизанни кўмиш маросими бўлди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Мулкларнинг учдан бири ҳам қолган эмас. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Беш бали баҳо системасида ўзлаштириш «қониқарли», «уртача» деган маънодаги баҳо. *Унинг баҳоси — уч. Бу ишио учун уч қўйса бўлади.*

3 Отлар олдида келиб, қўшма от ясайди. *Уч ҳад (мат). Уч оёқ учлари бириктирилган учта таёқ, хода ёки темирдан ясалган мослама. Уч пул уч тийин. | Сифат олдида келиб, қўшма сифат ясайди. Уч оёқли стол. Уч бўғинли сўз. Уч ойли чалалоқ.*

◆ **Бир мири ҳаён, уч мири зиён қ. зиён. Уч талоқ қ. талоқ I.**

**УЧ III дин.** Учига пахта ўраб, ёғлаб, мархум арвоҳига атаб пайшанба, жума оқшомлари ёқиб қўйиладиган чўп. Уч ўрамоқ. Уч ёқмоқ.

**УЧАК** *диал. айн. том I.* Кеча кўҳна арк олдидан ўтгандим, кўзим дўконинга туиди, девори қийшайган, .. учаги босай деб турибди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**УЧАЛА** *с. т.* Учов.

**УЧАЛАТОЙ** Ниҳоятда қаттиқ ёғочли, филдирак тўғни ясаш учун ишла-тиладиган қайрағоч тури.

**УЧАР I** *учмоқ фл. сфтид.* Учар балиқлар. — Учар қушдан улги олган жонivor, Минганнинг кўнелида қолмайди губор. «Ёдгор».

**2 кўчма** Учгандай тез юрадиган, жуда тез чопадиган; қопқир. Бўтабой ака бу кўнларда ўзини ҳали от миншини дурустроқ билмай туриб, жуда учар отда улоққа кирган кишидай сеза болади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**3 кўчма салб.** Ҳийла-найранг билан ҳар нарсани ундир оладиган, ҳар нарсага эриша оладиган; эпчил. Учар одам. — Тўлақинжон, ким айтади сени олғир, учар йигит деб. Мана ярим йилча бўлиб қолибди-ку, битта қишлоқки қизнинг муҳаббатини қозонмайсан. Ф. Мусажонов, Ҳури. || Жонқуяр ҳалол кишилар ўғрига чиқарилди. Ундан тўққизини ураётган айрим учарларнинг боши силанди. В. Маҳкамов, Айбсиз айбдорлар.

**4 кўчма салб.** Бир жойда, ишда узоқ тура олмайдиган; кўнимсиз, беқарор. Ҳа, чўлда ҳамма нарса илдиз отса ҳам, учарлар илдиз отолмайди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

◆ **Учар юлдуз** *с. т.* Метеор.

**УЧАСТКА** [р участок] I Бирор мақсадда ажратилган ер бўлаги, майдон, территория. Кўкаламлаштирилган участка. — Бундан чиқадиган сув билан ..мактаб участкасининггина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин. Ҳ. Назир, Чўл хавоси. Элмурод полкдан ўз батальонига участка олиб, мудофаага ўтганда, тонг ёришиб қолган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. | *с. т.* Хусусий уй-жой қуриш учун расмий равишда ажратиб берилган майдон ва унда барпо этилган ҳовли-жой. Уй-қуриш учун участка олмақ. Участка ажратмоқ. Участка қурмоқ. Участкамиз Бешқайрағоч массивида. — Ишком ва шафтолилар участка четидеги қовун-тарвуз на-лаклари устидан ўз сояларини йиғиб олмақда эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**2 кўчма** Бирор иш-ҳаракат доираси; тармоқ, соҳа. Ишнинг масъул участкаси. — Шундай экан, ҳамма участкага ҳам, ҳамма ишга ҳам жавобгарсанми ёки йўқми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УЧАСТКОВЫЙ** [р участковый] *с. т.* Аҳоли пунктнинг муайян бир қисмида тартиб-қонда сақланишини назорат қилиб турувчи милиция офицери.

**УЧБУРЧАК I** Учта бурчақли, турморча шаклидаги. Учбурчақ ховли. — Тўққиз самолёт учга бўлиниб, учбурчақ шаклида текис оқиб келарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Нарироқда уч муллабачча бир бўйра устида учбурчақ бўлиб ўтириб, мушкул бир масалани баҳслашди. Ойбек, Навоий. | Шундай шаклдаги нарса.

**2 с. т.** Муассаса, корхоналарда уч раҳбар шахс (дирекция, партия ташкилоти раҳбарлари ёки вакиллари ва маҳаллий касаба союз ташкилоти). Цех учбурчаги. Бу масалани учбурчақ ҳал этади.

**УЧБУРЧАКЛИК** *мат.* Ўзаро кесишиб учта бурчақ хосил қилган уч тўғри чизиқ билан ўралган геометрик шакл. Тўғри бурчақли учбурчақлик. Тенг бурчақли учбурчақлик.

**УЧЁТ** [р] I Бирор коллектив ёки ташкилот ҳисобидаги кишиларни шахсий рўйхатга ёзиш йўли билан қайд этиш. Учёт карточкаси. Учётга ўтиш (ёзилиш). Учётга олиш. Учётдан чиқиш.

**2** Ҳисоблаш, рўйхатга олиш йўли билан нарсаларнинг борлигини аниқлаш; ҳисоб-китоб. Бухгалтер учёти. Молларни учёт қилиш.

**УЧЁТЧИ** *с. т.* Учётга, ҳисобга олувчи. Савдо базасининг учётчиси.

**УЧИНЧИ** *тартиб сон I* Тартиб ўрни 3 рақами билан белгиланадиган, 3 номерли. Учинчи уй. Учинчи ўрин. Учинчи йил. Учинчи марта. — Далага. . учинчи кунни бир юз йигирма олти, ундан кейин юз эликка яқин одим чиқди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Катта-кичик нарсаларнинг иккинчидан катта, тўртинчидан кичик ўлчам, размери. Учинчи қалиш.

**УЧИРИЛМОҚ** *учирмоқ фл. мажҳ.* н. Қуш учирилди. Ракета учирилди.

**УЧИРИШМОҚ** *учирмоқ фл. бирг.* н. Саҳарга келиб яна маслаҳат қилишди. Яна қушни учиршиди. «Муродхон». Қувониб кетган болалар: «Биз ҳам борамизми?» дегандай, Ефим тоға ва Умурзоқ акага қараб қош учиршиарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УЧИРИҚ** *айн. учурик.*

**УЧИРМА I** Эндигина ниндан чқиқб уца бошлаган (қуш боласи қақида). Учирма бургутчалар. — Учирма боласин кутган лочиндай, Қатор институт очади кучоқ. Ғ. Ғулум. Бўйга етган қўш — учирма бўлган қуш. Уйғун, Ҳаёт қўшиги. Учирма қилмоқ боласини ўстириб, уца оладиган, ўзини бошқара оладиган холга етказмоқ. Мусича бола очиб, учирма қилиб, бу инни тарк этгунча.. қоровуллик эт. Ойбек, Навоий.

**2 кўчма айн. учурик.** Обиджон.. кинояли ва учирма гаплар қилишдан нарига ўтмайди. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 11 август.

**УЧИРМОҚ** *учмоқ фл. орт. н.* Қушни учирмоқ. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Мақол. — Юзлари офтобда қорайган ўрта ёшлардаги

киши олмадай тоғни учуриб олди-да, қўлида айлантириб, муна билан синчиклаб қаради. М. Худойқулов, Оҳанграбо ахтариб. Бир хотин нақ зинага чиққан пайтда, ўқ уни ерга учирди. Ойбек, Қутлуг қон. Бўтабойнинг ўнг қўлогини ўқ учуриб кетган эди. С. Аҳмад, Ҳукм.

◆ **Қандай (ёки қайси) шамол учирди** қ. шамол. Қош учирмоқ поз-карашма билан қошини ўйнатмоқ.

**УЧИШМОҚ** *учмоқ I—5, 7, 9 фл.* бирг. н. Сонсиз арилар ва баҳор қўн-ғизлари гуллар орасида учушиб, ажиб мусиқа тарқатарди. Ойбек, Қутлуг қон.

**УЧЛАМОҚ** Бир томонини йўниб ингичка ва ўткир қилмоқ. Ёғочни учламоқ. Қаламни учламоқ.

**УЧЛАМЧИ I** кириш с. Айтилаётган фикрнинг тартибини билдиради; учинчидан. [Нор.] Учламчи, улар биздан бойроқ кишилардан... учларга бизнинг ҳеч бир вазж билан алоқамиз йўқ. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**2** Баъзи терминлар таркибида «бирор нарсанинг учинчи даври, даражаси» каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилади; учинчи. Ер тарихининг учламчи даври.

**УЧЛАТМОҚ** *учламоқ фл. орт. н.*

**УЧЛИ I** Бир томони бўрган сари ингичкалашиб тугалланадиган. Навоий.. салласиз, учли тақя кийган, боши бироз эгик. Ойбек, Навоий. Турсуной нимранггина узунчоқ юзи, учли ижи билан онасига ўқиб кетарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Уччи ўткир. Учли найза. Учли зиратча.

**2** Уч бор; учи муайян шаклга эга. Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўткир темир ойдинда ялтирарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**УЧЛИК I** Бирор нарсанинг учига кийгизиб, ўрнаштириб қўйиладиган учли, ўткир қисм. Камалак ўқининг учлиги. Омоҳ тишининг учлиги. Сумбанинг учлиги.

**УЧЛИК II I** Ваколатли уч шахсдан ёки уч томоннинг вакилларидан иборат муваққат орган ёки комиссия. Учлик тузмоқ. | Учлик комиссия. — Қогон коммунистик ташкилоти ва Қогон ревкоми бу операцияда қатнашиши учун комсомолларнинг жанговар учлик группасини уюштиришни Мадёрова буюрган. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**2** Уч холли, уч рақамли нарса. Ғиштнинг учлиги. Доминонинг учлиги.

**УЧМА-УЧ** *реш I* Учлари ўзаро туташтирилган ҳолда. Ёғочларни йўл бўйлаб учма-уч термоқ. Ғишларни учма-уч қўймоқ. — Лаъли ҳам қўлларини учма-уч қовуштирди. Ҳ. Ғулум, Машғал.

**2 кўчма** Даромади харажатни аранг қоплайдиган ҳолда; бошма-бош, бир амаллаб; аранг, зўрга. Балиқ сотиб топган пули рўзгорига керакли нарсаларга учма-уч етар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Омбордаги этишмовчилик



Алиқулнинг янги солинган уйи билан учма-уч қопланиб, ўрнига бошқа киши тайинланди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Онахоннинг устахонадан бўз тўқиб топганини икки қизчаси рўзғорда учма-уч қилиб бийойдек уй тутишарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Бошма-бош, тенг баравар. — Бухгалтернинг дебет-кредити учма-уч бўлиб туриши керак, — деди Одил. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

**УЧМОХ** 1 дин. Жаннат, биҳишт. 2 кўйма Киши бахтли ҳаёт кечирадиган гўзал ва фаровон жой; жаннат. Умринг ёруғ, Ватанинг — учмох, Мендан сўра, Мен ёниб ўтдим. Миртемир.

**УЧМОҚ** 1 Қанот воситасида ҳавода ҳаракатланмоқ, қанот қоқиб бирор томонга йўналмоқ. Қуш қаноти билан учиб, қўйруғи билан қўнар. Мақол. — Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қаргалар қағиллаб, .. далалар устида учарди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Учувчи механизмлар ҳақида. Баланда, юлдузли кўкда, қайққадир самолётлар учиб ўтди. Ойбек, Қуёш қораймас. Асад модели эса, Тик ва тез учар эди. Т. Тўла. | Шундай механизмлар воситасида бирор томонга йўналмоқ. Москвада учмоқ. | Зарб, шамол каби бирор куч таъсири билан ҳавода ҳаракатланмоқ; тўзғиб юрмоқ, қўзғалмоқ. Осмонда ранг-баранг қоғозлар, шарлар учиб юрибди. — Қўкларда учаркан қор, Еру кўкни қучаркан қор. Ғайратий. Чақилган тошлар учиб келиб [Ғулмоннинг] юзига уриларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Из қолдирувчи ўқлар маржондай тизилиб учарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Қоронғи тушиди. Узоқда қоп-қорайиб ярим осмонни тўсиб турган адирнинг устида, уфқда ўтли из қолдириб юлдузлар учарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Кўчма Ғойиб бўлмоқ. [Ермат:] Олимхон ака, нимасини сўрайсиз. Қизим йўқолди. Қаёққа учди, билмайман. Ойбек, Қутлуг қон. Баракаси учди камайиб қолди, озайиб кетди. Назир-ниёзларнинг ҳам баракаси учди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Зарб билан ажралиб, анча нарига бориб тушмоқ, отилиб кетмоқ; йиқилиб тушмоқ. Бола мотоциклдан учиб кетди. — Соқолли солдат от тагида қолди, унисси отдан учиб, юмаланиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Жуда тез юрмоқ, югурмоқ, чопмоқ. Машина учиб боради. Поезд учди. — [Содиқ] каравоти бошида осиглик турган костюмининг тимискилаб тонди-да, ташқарига учиб чиқди. Я. Саъдуллаева, Она тупроқ.

4 с. т. Қор, муз устида сирпанмоқ, тойғаноқ отмоқ. Чанада учмоқ. Чангида учмоқ.

5 Атрофга таралмоқ, эшитилмоқ (овоз ҳақида). У [Йўлчи] кўзларини сузиб ашула янграган томонга қаради. Кўй узоқдан, бойниқидан учар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Фестиваль — ёшиқ сайли, Қўшиқлар учсин майли.

Е. Мирза. Лабларидан учарди Ҳасратли фарёд. Ғайратий.

6 Синиб, узилди тушмоқ, чатнамоқ. Чойнакнинг жўймағи учди. Пиёланинг лаби учибди. — Ҳали.. гузурут чақиб берган ёш русининг башарасини базўр таниди — бошининг бир бўлагини учиб кетганди. Ойбек, Қуёш қораймас. Битта тоқчадаги чети учган.. уч-тўртта пиёла ва бир қора қумғонни .. кўрсатиб ўтирмас, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

7 Кўчма Бейхитёр берилмоқ, асир бўлмоқ, алданмоқ, лақилламоқ. Шакарли тилга учма, мақтанганни кучма. Мақол. — [Рашида] курсодиси Темурнинг енгилтак гапларига учди-ю, Рўзиматни бутунлай унутди. Тўлқин, \*Оғир эслаш. [Элдор:] Дарвоқе, Райхоннинг нимасига уча қолдим? Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Душманнинг найрағига учиб, хушёрликни қўлдан берган Синарағиз ўзининг эллик-олтмишта йигити билан асир тушиб қолди. М. Осим, Тўмарис.

8 Асабдан ёки бирор бошқа сабабдан пирпираб турмоқ, титрамоқ (бирор аъзо ҳақида). Узоқ вақт совуқда қолгандай ияги титраб, бет мускуллари учар.. эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Робия хола бошини чайқади, лаблари пир-пир учди, ўпкаси тўйиб, ўзини туптолмади. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

9 Қаттиқ зарбага дуч келиб йиқилмоқ, ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ. Немис танкисти тутун ичидан бошини чиқариши биланоқ снайпернинг ўқига учди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ Қайфи учди қ. кайф. Қапалағи учди қ. капалак. Кўзи учиб турибди кўришни истайди, кўриш иштиёқида. Турсунбой аканинг тўқлига кўзи учиб турибдими? Ғ. Ғулмон, Шум бола. Учиб қолмоқ қаттиқ маст бўлиб ухлаб қолмоқ. Маъмуржон кўчадан ичиб келган эканини, юз грами шампанни отди-ю, учиб қолишига сал қолди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Қути учди қ. қут. Ҳавога (ёки осмонга, елга, шамолга) учди бекор кетди. Эх, аттанг, орзулар учди ҳавога, Англамай йўлиқдим бу бедавога. Я. Қурбон. Ниҳоят қутилган кун келди. Бутун вужуди билан қилинган ғайрат, ҳаракат елга учмади. Н. Орифжонов, Ҳаловат. Хуши ичди қ. хуш.

**УЧОВ** жамл. сон Уч киши ёки учта нарса. Учов келишиди. Учови ҳам бир-бирдан чиройли. — Учови ҳам бир-мунча вақт сукутга боради, чойнакдаги чой эсдан чиқиб совийди. А. Қодирий, Обид кетмон. У бир нафасда отлиқ қорасига айланди. Бир зумда икков, учов, тўрттов, бешов бўлишиди. П. Турсун, Уқитувчи.

**УЧОВЛАШИБ** Уч киши бўлиб, уч киши биргалашиб. Бу шини учовлашиб бажардик.

**УЧОВЛОН** жамл. сон Уч киши бир бўлиб, учовлашиб. Учовлон бир ёски

мозорга кириб чўкка тушиб ўтирдилар. Ғ. Расул, Адолат.

**УЧОВОРА** Уч киши бирга, уч киши бир бўлиб. Иккивора, учовора шивир-шивир, одамлар шивирлаша бердилар. «Равшан». | Ҳар уч кишига бир лагандан (ош тақсимлаш ҳақида). Ош учоворадан.

**УЧРАМОҚ** 1 Каршисидан чиқмоқ, дуч келмоқ; кўринмоқ. Йўлда икки отлиқ учради. Бу жойда бирорта таниш учрамади. — Унда-мунда бир эшик учрайди, лекин оч-ориқ дайди итлар кўпроқ санкиб юради. Ойбек, Қутлуг қон. Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар кўзгалиб, бойларнинг ғарамлариға.. ўт қўйишар, йўлларда қароқчилар учраб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Излаб, йўқлаб бориб гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ; мураккаб қилмоқ. Адавокатга учрамоқ. Врачча учрамоқ. — Область ижрокомининг секретарига учранг, сизга иш топиб беради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Бетимдан ҳаё нардасини йиртиб бўлса ҳам, қозига учрайман, йўл сўрайман, — деди Ғулмонжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қисматига тушмоқ, nasib бўлмоқ, йўлиқмоқ. Қўйвер, хотин, шу қизга ҳам менга ўхшасан кўса қув учрасин. С. Аҳмад, Хукм. Ҳеч қаерда бундай улғурси ганимат учрамади. А. Қаҳҳор, Башорат.

4 Топилмоқ, бўлмоқ. Ўзбекистон тоғларида ноёб мағданлар кўп учрайди. Бундай ҳодиса табиатда жуда кам учрайди.

5 Намоён бўлмоқ, йўлиқмоқ. Бу образ ёзувчининг кўнгинга асарларида учрайди. — Улар.. пастроқ овоз билан суҳбатга киришганларидан кейин, орада Онахон тушунмайдиган гаплар ҳам учрай бошлади. А. Қаҳҳор, Опа-сингиллар.

6 Дучор бўлмоқ, дуч келмоқ, йўлиқмоқ. Балого учра(су)р! (қарғ). — Душман гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёғилган ўққа учар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қудрат яна жандарна қувганига учради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Марианинг бахтига қарши амаки сил касаллигига учраб, шидан қолди. Ойбек, Қутлуг қон.

**УЧРАТИЛМОҚ** учратмоқ фл. мажж. н.

**УЧРАТМОҚ** учрамоқ 1, 2, 3, 5, 6 фл. орт. н. Ухшатмасдан учратмас. Мақол. — Менга иш беринг, — деди Адолат, колхоз раиси Қодир акани кўчада учратиб. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ота қишлоқда Сергейни тез-тез учратиб турди. Х. Ғулмон, Машғал.

**УЧРАШМОҚ** 1 учрамоқ фл. бирг. н. Улар дарров врачча учрашсин. — Ёйронбек билан Қомил Чирчиқдан ўтаётганда қизиллар тўсиғига учрашибди. Х. Ғулмон, Машғал. Эртасига улар комсомло бюросида учрашди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эшикни Инобат

очди. Аламли кўзлар бир-бирлари билан учрашди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 Бир-бири билан суҳбатлашмоқ, сўзлашмоқ; дон олишмоқ. [Ажмедов:] Агар шу гап ҳақиқат бўлса, Бўтабой хотинингиз билан неча мартаба ва қаерда учрашди экан. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**УЧРАШТИРМОҚ** учрашмоқ фл. орт. н. Мен сизни у киши билан учраштирман.

**УЧРАШУВ** 1 учрашмоқ фл. иш оти. Йўлчи турмада яшаркан, унга туғишган ога-ини сингари меҳрибон бўлган Петров билан биринчи учрашувдан бошлаб, то сўнги дамегача ўтган ҳаётини ҳозир ўз фикридан бир-бир кечириди. Ойбек, Қутлуғ қон. Юсуфжон қизиқ, Мадамминбек билан кўп кишини учрашув ва суҳбатларда бўлган. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Ошиқ-маъшукларнинг ваъдалашган жойда бир-бирлари билан топишуви, суҳбатлашуви; ишқ-муҳаббат дамлари; висол. Бири.. биринчи учрашувдан сўз очса, унинг сўзи тугамай, сўнги ҳайрлашув воқеаси тўғрисидаги ҳикоя бошланиб кетади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Бирор масала юзасидан ўтказиладиган йиғин, кенгаш, йиғилиш. Узбекистон пахтакорларининг учрашуви.

4 Ўйин, олишув. Футбол командаларининг учрашуви.

**УЧТА** донга сон 1 Уч донга ёки уч нафар. Учта дафтар. Учта бола. — Активлардан учта кўмакчи группа ташкил қилинди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Уч марта. [Шоқосим:] Эшкни учта чертаман, шунда очасан. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЧУВЧИ** 1 учмоқ фл. сфтиш. Учувчи паррандалар. Учувчи баллиқлар.

2 Самолётни бошқарувчи, ҳайдовчи мутахассис. Қарасам, эшик олдида Чилёнга учган учувчи турибди. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

**УЧУВЧИЛИК** учувчи 2 с. касб оти. Учқун бўлса учувчиликка ўқиб, аэропланда Москвага бориб, биз кўрмаган қанчадан-қанча элларни кўра. Х. Гулом, Машъал. [Пўлатжон] учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига пилётка олармиш. Х. Назир, Сўнмас чуқмоқлар.

**УЧУН** кўм. (б. к. билан) 1 Нарсанинг кимга, нимага аталганлигини, бағишланганлигини ёки кимнинг, ниманинг фойдасига бажарилганлигини кўрсатади. Ҳамма нарса ғалаба учун. Укам учун китоб олдим. — Хўжайинининг қизи учун палак, дорпеч, қийиқ тикади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Иш-ҳаракатнинг нима мақсадда бажарилишини кўрсатади. У бу ерга дам олиш учун келган. — Бу ерга Мадали аканинг жигига тегиши, рашикни келтириш учун кирганлигини эслаб, мулазм бўлдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги асос ёки сабабни кўрсатади. Ермат шаҳардан пиёда қайтиб, йўлда ҳоригани учун, ҳамма отларга йўлчи қаради. Ойбек, Қутлуғ қон. У шофёрликни билмаганлиги учун бу ишга Анавр Нодировни ёллаган. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида. **ШУНИНГ** учун боғл. шу сабаб билан, шу сабабдан, шунга кўра. Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди. А. Қахҳор, Асрор бобо. **НИМА** учун қандай сабаб билан, нима сабабдан, нима туфайли, нимага.

4 Фикрнинг кимга, нимага нисбатан айтилишини кўрсатади. Мен учун турмушда ҳамма нарса ойдин. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Кўйлақлар ичида ўзига ярашмайдигани йўқ; оқ олма учун барги ҳам, гули ҳам бир. А. Қодрий, Ўтган кунлар.

**УЧУНИҚ** Шамоллаш натижасида юз берадиган энгил бетоблик.

**УЧУНМОҚ** Шамоллаб тоби қочмоқ, сирқовланмоқ, дармонсизланмоқ.

**УЧУРИҚ** Бировга шама юзасидан айтилган гап, сўз, ибора; қочирим. || Учურიқ гап. — Чол-кампирнинг учуриқига стол атрофидасилар қийқириб кулиши. Х. Гулом, Сенга нитиламан. Нонуштадан гап очилиб, қизлар Улмасойга учуриқ қилиша кетди. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

**УЧУҚ** 1 Шамоллаш, учуниш натижасида кўпинча лабда пайдо бўладиган чиқик, ярача.

◆ **Лабига учуқ чикди** (ёки тошди) чўчида, қўрқди, кайфи учиб кетди. «Дом шундай қиласиз, янгилик деса лабингизга учуқ чиқаверди», — деб, [Сабохон] отани хижолат қилибди. А. Мухиддин, Кўнгилар.

**УЧУҚ** II Четининг кичик бир қисми синган, четг учган; синиқ. **Лаби учуқ лезан. Лаби учуқ пиёла.**

**УЧҚУН** 1 Ёниб турган ёки қизиб лаққа чўғ бўлиб турган модданинг заррачаси. Ичтириган чўғ ерга тушиб, ожиз учқунлар сачратиб сўнди. М. Мухамедов, Қиммат билан Ҳиммат. Тўхта хола тандирга ўт қўйганга ўхшайди, кўча томонга гоҳ-гоҳ учқун учиб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Замон [харсанг тошга] гурзи урди — тош пачақланди, учқунлар чақнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Нарсаларнинг сачрайдиган, сочиладиган энг майда бўлаги, зарраси. **Темир учқуни.** — Совуқ шамол зўрайиб қор учқунлари бурунга, кўзга, пешанга урила бошлади. Х. Гулом, Машъал. **Қалин, қўра булут яна битта-битта совуқ учқун ташлаб ҳамма ёқни қоплаб олган.** У. Ҳошимов, Икки сураг.

3 Кўча Сезги, ҳиссиёт, қобилият ва ш. к. белгиси. **Умид учқунлари. Талант учқунлари.** — Мен кўйдирдим кўккида ғамни, Дилда севги учқуни қолди. Е. Мирза. [Мунавоар] ҳар бир уй, ҳар бир бинога ғурур билан боқар,

қора кўзларида севинч учқунлари чақнар, чехрасида табассум ўйнарди. М. Жалолидинова, Олов қалб.

**УЧҚУНЛАМОҚ** 1 Учқун сачратмоқ, учқунлар сочмоқ. **Электр сими учқунлади.**

2 Кўчма Учқун олмоқ, пайдо бўла бошламоқ. [Шумилов:] Нима бўлар эди? Учқунлаб турган революция алангага айланади. II. Сафаров, Шарқ тонги.

3 Ниҳоятда майда заррачалар ҳолида ёғмоқ (ёғин ҳақида). Қор жуда эринчоқлик билан майдалаб сирак учқунларди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 айн. **учқунланмоқ** 2. Қалбиди севги учқунлади. Кўзларида шодлик учқунлади.

**УЧҚУНЛАНМОҚ** 1 учқунламоқ 3 фл. ўзл. н. Кекса нок дарахтининг гуллари оптоқ қордай учқунланади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўчма Пайдо бўлмоқ, рўй бермоқ (туйғу, қобилият ва ш. к. белгиси ҳақида). Унинг ўйчан кўзларида киноя йилат этиб учқунланди-ю, сўнди. С. Анорбоев, Оқсой. Халқда исён ўти учқунлана бошлади. А. Қахҳор, Сароб.

**УЧҚУНЛАТМОҚ** учқунламоқ фл. орт. н. Қишининг поёнсиз оқ кўрғаси майда олтин учқунлашиб, ҳамма ёқни чуқур жимжитлик билан ўраб ётарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УЧҚУР** 1 Тез уча оладиган, тез учар. Вақт бамисоли бир учқур қуш экан. Ж. Абдуллахонов, Йўл.

2 Кўчма Тез чопа оладиган; чопқир. Бу от икки кун бурун шу йўлда Майнанинг ўзи отиб ташлаган босмачининг учқур қорабайир оти эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**УШАЛМОҚ** Бўлак-бўлак бўлиб сиймоқ, майда бўлакчаларга бўлиниб кетмоқ; уваланмоқ. **Печенье ушалиб кетибди.** — Ер ушалиб, тош парчалари сингари атрофга сачрайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Орзуси** (ёки нияти, умиди ва ш. к.) **ушалди** орзуси, умиди амалга ошди, рўёбга чиқди. Ука, ер олганидан кейин ҳам ўша мўлжалларим юзага чиқмади, орзуларим ушалмади. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**УШАТИЛМОҚ** ушатмоқ фл. мажҳ. н. Пиёлаларга кўк чой қуйилади, кунжутли юмшоқ нонлар ушатилади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**УШАТИШМОҚ** ушатмоқ фл. бирг. н. Қаттиқ аҳду паймон қилиб, ўртада нон ушатишди.

**УШАТИҚЛИ** Ушатиб қўйилган, синдирилган. Ушатиқли нон.

**УШАТМОҚ** 1 Бўлак-бўлак қилиб синдириш, майда бўлакчаларга бўлмоқ, ажратмоқ, синдириш. **Қудрат.. нонларни ушатди, чой қуйди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Отхонада дийди-раб, кунжара ушатиб қўйларга беради.** Ойдин, Ҳазил эмиш. **Али тажанг.. нонни дарров қўлтиққа суқди-да, катта бурда ушатиб оғзига тиқди.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Мана, кўр-**

динларми, қаттиқ = тишларингни ушатди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Йирик пулни шу қийматдаги майда пуллар билан айирбош қилмоқ, майдаламоқ. *Ўз сўмликни ушатмоқ.*

◆ **ПАТИР** (ёки нон) ушатмоқ йигит ва қизни ниқоҳлаш ҳақида ахдлашилмоқ, келишмоқ, унаштирмоқ. *Орадан уч-тўрт кун ўтгач, нон ушатиб, фотиҳа ҳам қилинди.* Х. Нуъмон, А. Шо-рахмедов, Ота. *Рўзани ушатмоқ* овқат еб қўйиб рўзани бузмоқ. *Жаноби устоз! Рўзангни ушатиб қўйдингизми?* «Латифалар». Таҳорат ушатмоқ қ. таҳорат.

**УШБУ** кўрс. олми, кт. Шу, мана шу; мазкур. *Ушбу ёзан мактубимни Бошдан-оёқ тоза кўр, Озроқ муҳаббатинг бўлса Тезроқ жавоб ёза кўр.* Ҳамза. *Ёвга қаришга газаб-ла Чақнар эди кўзлари.* Ҳамон менинг эсимда Унинг ушбу сўзлари. З. Днёр.

**УШЛАМОҚ** 1 Кўл билан тутмоқ, қўлга олиб тутурмоқ. *Турғунни йиғламсиради. Мاستон уни қўлидан ушлаб тортиди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Полвон елкасида ташлаб чиққан қийғини олди-да, уни икки учидан ушлаб туриб, бир-икки айлантди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Низомиддинов билан Назиркулни қўлга жинчи роқ ушлаб, Азимбойвачанинг ўзи.. кутиб олди.* С. Аҳмад, Хукм. | Кўл тегизиб, пайпаслаб кўрмоқ. [Тоҳиржон:] *Шу касалга чалинганда, бир ҳақимга бордим. У томиримни ушлаб, андак мулоҳаза қилди.* Ойбек, Кутлуг қон.

2 Тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ, қўлга олмоқ. *Жиноятчини ушламоқ.* — Улар [қизлар] чимчиловчиларни қарғайдилар. Ушлаб олсалар, урадилар. Ойбек, Кутлуг қон. | Овлаб тутмоқ, қўлга киритмоқ, тутиб олмоқ. *Тўр билан бедана ушламоқ. Балиқ ушламоқ. Тўғни ушламоқ.*

3 Бериладиган ҳақни ёки унинг бир қисмини бермасдан чегириб олмоқ, олиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (қарз, жарима каби тўловлар ҳисобига). *Қасир ойлдан беш сўм ушати.*

4 Кўчма Ўз назорати остига олмоқ, итоаткор бўлишга мажбур қилмоқ, хукмини ўтказмоқ. *Айниқса ўнлаб қишлоқни ўз панжасида ушлаб турган Саид Жалолхон эшоннинг .. бир қалима сўзи ҳар қандай ташвиқотдан қучиллик қиларди.* С. Аҳмад, Хукм. [Ҳоким:] *Аминларингни маҳкам ушла, элиқбошилар одамларга кўз-қулоқ бўлсин.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. | Маълум ҳолатда, вазиятда тутмоқ, сақламоқ. *Интизомни қаттиқ ушламоқ. Маҳбусликда ушламоқ.*

5 Гапидан тутмоқ, гапидан қўлга туширмоқ. *Дарҳақиқат, Кумуш энг нозик жойдан ушлаган эди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

6 Сақлаб, тутиб қолмоқ. *Бойликни ушламоқ. Пулни ушламоқ.*

7 Ишга солмоқ, ишлатмоқ. *Беш йил оморингиз қулогини ушладим.* — [Охун:]

*Ғариблик курсин, ўз шаҳримда игна ушламагандим. Ҳеч вақт, азбаройи худо.* Ойбек, Кутлуг қон.

8 Тутиб қолмоқ, эгалламоқ. *Бироқ, Абдураҳмоннинг амакилари ота касбини ушлаб, таҳсил кўрган жойлари Бухорода катта мударрислардан саналар эдилар.* Л. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

9 Кўзгамоқ, тутмоқ (вақти-вақти билан авж оладиган касаллик ҳақида). *Кутилмаганда санчиқ ушлади.* — *Кумушни ўқтин-ўқтин оғриқ ушламоқ-да.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Ушлаб қолмоқ** 1) тутиб қолмоқ, хуруж қилмоқ (касаллик ҳақида). *Безағим ушлаб қолди;* 2) кўчма кимсани гап, иш ва ш. к. билан банд қилиб тутиб турмоқ. [Йўлчи] *қизариб-бўзарса ҳам, тезроқ қочмоқ истаса ҳам, нимадир уни ушлаб қолди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**УШЛАМОҚ** 1 ушламоқ 1, 2, 3, 5 фл. ўзл. н.

2 ушламоқ 1—6, 8 фл. мажж. н. *Бирпасда ўнта бедана ушланди. Жиноятчи ушланди.* — *Анавар тинчгина Рағвонни ёнига олиб қочса, албатта, Султнали ушланар эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**УШЛАТМОҚ** ушламоқ 1—7 фл. орт. н. *Уларнинг ўрнига ёлғондан мени Сарварнинг ҳолавачаси қилиб кўрсатиб ушлатдилар.* Айний, Жаллодлар. *Йигитларимизга оқоп қаздирадиларми, ё милтиқ ушлатиб, қирғинга ҳайдадиларми — бу нарса оқ подшоҳнинг ихтиёрида.* Х. Шамс, Уруш.

**УШЛАТТИРМОҚ** ушлатмоқ фл. орт. н.

**УШЛАШМОҚ** ушламоқ 1—9 фл. бирг. н. *Қўл ушлашиб кўришмоқ. Болалар тулки ушлашди.* — *Кейин иккови тошларни ушлашиб, тошларга ёпишиб, сой ёққа тушди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. — *Уртоқлари ушлашиб қолиб бугун ҳам келмай қолмаса, — деб қўрқиб турибман.* Ойдин, Узидан кўрсин.

◆ **Бел ушламоқ** қ. бел 1 6.

**УШЛАШТИРМОҚ** ушламоқ фл. орт. н. *Бир новча билан бир паканани бел ушлаштириб, гап бўйдами-гайратда эканини синамоқчимиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**УШОҚ** 1 от Ноннинг майда бўлақчалари; увоқ. *Сухари ушоғи. Патир ушоғи.* — *Қаддини кўтаргунча заводчи бойлардан солиқ олинмаслиги керак, — деди .. нон ушоқларини териб ўтирган.* Ёлмонбой. Ж. Шарипов, Хоразм. || *Раҳлим келиб уларга Айвончага дон сепдим. Ҳар хил нарса: кўноқ, сўк Ҳамда ушоқ нон сепдим.* Уйғун.

2 сфт Жуссаси, гавдаси кичик, занф, нимжон. *Ушоқ киши.* — *Ҳикояни тинглаган сарим, бу қотма, ушоқ чол кўз ўнгимда салобат касб этиб.. гавдаланарди.* Х. Назир, Узр, отахон. *Ушоқ ва нимжон болман, бойнинг олдида турибман, у бўлса, баджаҳл ва семиз, ҳа деб менга дўқ уради.* Х. Тур-

сунқулов, Ҳаётим қиссаси. || **Одамнинг ушоғи** кичкина, нимжон одам.

3 от. диал. *Бола, бола-чақа.* [Оқсоқол:] *Мўғул келиб, ўзимизни қул қилиб олса, хотин, ушогимизни бозорга чиқариб сотси, яхшими?* М. Осим, Уттор.

**УШР** [а] тар. *Даромаднинг ўндан бири хисобидан олинадиган солиқ. Ҳазинани бойтаман деб, халқни гадо қилдингиз, .. ушр деб олмасиз, улоғ деб олмасиз.* Уйғун ва И. Султон, Навоӣ.

**УШУК** диал. *Совуқ. Ушук урди ай. совуқ урди қ. совуқ 1.* *Қаҳратон совуқлар бошланган эди, қулоқ-бурнимни ушук уриб, госпиталда ҳам ётиб чиқдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**УШШОҚ** [а] муз. «Шашмақом»нинг иккинчи мақомлар группасига оид куй ва шу куйдаги ашуланинг номи. *Ҳофиз ва машшоқ, «Лапар» ва «Ушшоқ» — Учун талашув Ялли талаб шу.* Шайхзода.

**УЮМ** Бир ерга уйиб ташланган нарса; тўп, тўда. *Қум уюми. Шағал уюми. Ғишт уюми. Қитоблар уюми.* — *Ариқларда ҳазон уюмлари оқиб келарди М. Мухамедов, Қиммат билан Ҳиммат. Бекатда беш-ўн одам, туширилган алақандай юklar уюми қолди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**УЮМОҚ** диал. *Ивимок.*

**УЮМ-УЮМ** Бир қанча уюмлардан иборат; тўп-тўп, тўда-тўда. *Улар уюм-уюм темирларни нишқириб ўт сочувчи ўчоқларга ташлайдилар.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Кўёш тегмаган жарликларда эса ҳали уюм-уюм бўлиб қорлар ётар, қиш ҳиди келарди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

**УЮР** Орасида бир айғири бўлган биялар тўдаси. *Узоқ йўл босган уюр ҳовуз атрофидаги барханларнинг ён бағрида тўзон булутидай бўлиб ётибди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ути тизза бўйи келадиган кенг яйловларда йилқи уюрлари.. ўтлаб юрибди.* А. Шермухамедов, Ўт-ўланлар водийси.

**УЮРМА** Ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол; бўрон, гирдибод. *Кучли уюрма тупроқни осмонга кўтарарди.* | *Кучли шамол билан юқорига кўтарилиб тушадиган майда нарсалар. Тўзон уюрмаси. Қор уюрмаси.* — *Саҳродан келган қум уюрмаларидан ўзларини сақлаш учун ҳамма жониворлар ин-иница беркинди; чўл ҳувиллаб қолди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**УЮШИК** Уюшган, жипслашган, аҳил. *Уюшиқ маҳалла.*

◆ **УЮШИК бўлақлар грам.** гапнинг бир хил грамматик хусусиятига эга бўлган, бир хил саволга жавоб бўладиган бўлақлари.

**УЮШМА** Бир мақсад йўлида бир-галликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси; иттифоқ; ташкилот. *Ёзув-*

чилар уюшмаси. — Ер ислоҳоти ўтказилиши олдида қишлоқ камбағаллар уюшмаси тузилади. А. Қодирий, Обид кетмон. У [Мўмин] ҳозир шу фикрда бўлиб, колхозга вақтинчалик бир уюшма деб қарар, ишга асло илҳос қўймас эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**УЮШМОҚ** I Ҳазор бирлашиб, бир мақсад йўлида бирга ҳаракат қиладиган коллектив ёки ташкилот ҳосил қилмоқ, бирга ҳаракат қилиш учун Ҳазор бирлашмоқ. Колхоз бўлиб уюшмоқ. Бир отрядга уюшмоқ. — Дастлаб колхозга, аёлларини далага чиқармаслик шарти билан, йағирма тўрт хўжалик уюшди. С. Аҳмад, Ҳукм. [Раҳим:] Хуррият одамидики, уни сизларга кўрсатсам, оқсоқолларни, амалдорларни ҳайбасанлар, деҳқон комитетларига уюшиб, бойлар ерини тортиб олиб экаверсанлар, хуррият — шу-да. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**УЮШМОҚ** II диал. Увушмоқ.

**УЮШТИРИЛМОҚ** уюштирмоқ I фл. мажх. н.— Колхозда энг кўза кўринган нарсаки нима экан? — деб сўраб қолди бир колхозчи.— Яхши уюштирилган меҳнат...— жавоб қилди Саодат. Ж. Шарипов, Саодат.

**УЮШТИРМОҚ** I I уюшмоқ I фл. орт. н. Колхозга уюштирмоқ. — У [Абдурусул] революция йилларида қишлоққа қайтади. Қамишқапада биринчи мартаба батрак-камбағалларни уюштиради. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Ташкил қилмоқ. Ҳашар уюштирмоқ. Фитна уюштирмоқ.

**УЮШТИРМОҚ** II уюшмоқ II фл. орт. н. Хушрўйнинг оғзидан чиққан бу таҳдид бечора онанинг юрагини уюштиради. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**УЮШТИРУВЧИ** уюштирмоқ I фл. сфлди. Концерти уюштирувчи. Ҳашар уюштирувчи. || Коммунистик партиянинг уюштирувчи кучи.

**УЮШТИРУВЧИЛИК** уюштирувчи с. мажх. от. Уюштирувчилик роли.

**УЮШҚОҚ** Бир мақсад йўлида бирга ҳаракат қиладиган. Уюшқоқ халқ. | Бирдам, ҳамжиҳат, аҳил. [Ефим:] Биз ишчилар жуда катта уюшқоқ ошамиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УЮШҚОҚЛИК** уюшқоқ с. белги оти. Лениннинг, кимнинг жуда зўр техникаси бўлса, кимдаки уюшқоқлик, интизом ва энг яхши машиналар бўлса, ўша устун бўлиб чиқади, деган кўрсатмасини муттасил эда тутуши зарур. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 30.

**УЯ** I Ёввойи хайвонлар, қушлар ва ҳашаротларнинг яшаш ва кўпайиш учун мослаб ясаган жойи, уйи; ин. Қалдирғоч уяси. Арининг уяси. Юмронқозикнинг уяси. Бўри уяси. Қуш уясида кўрғанини қилар. Мақол. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак. Мақол. — Қуш дўстлари, қушларни кутинг, Дарахтларга уя ўрнатиб. З. Диев. Қаердадир

ўргимчак уясига илинган паиша гинчиллар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 қ. х. Бир неча дона уруғни ғуж қилиб экиш учун оциланг чуқурча ҳамда бир неча ўсимлик ғуж бўлиб ўсиб чиққан жой. Яғана вақтида ҳар бир уяда 2—3 табан ўсимлик қолдирилади. — [Валихўжа:] Энди чигитни жўякка эмас, уяга экар эканмиз, Ҳаттамбек. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 салб. Ёмон ниятли кишилар ўрнатишган ёки учрашадиган, тўпланадиган жой, макон. Жосулар уяси. Текинхўрлар уяси. Уғриллар уяси. — Кўзғолончилар аввалги ғайрат билан олға талпиндилар. Душман уясига айланган Қармана шаҳрида йўл очик эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.— Уша пайтда бизнинг колхозга ҳаромхўрлар уя қўйган экан, мен кейин билдим,— деди Аброр. П. Қодиров, Қалбадаги қуёш. Ургимчак уясига тушмоқ (ёки илинмоқ) ёмон мақсадли кишилар таъсирга берилиб қолмоқ. Зилдан суриштирсам, бола бечора ўргимчак уясида тушиб қолибди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

4 Кўча Фитна, ваҳима, қайғу ва ш. к. кўплаб мавжуд бўлган ёки пайдо бўладиган жой, кон. Адоват уяси. Фисқ-фужур уяси. Қайғу уяси. — [Хотин:] Қаерга олиб келдингиз мени ахир, ваҳиманинг уяси-ку, бу. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

5 грам. Бир ўзакдан ясалган сўзлар группаси.

**УЯЛАМОҚ** I Уя қурмоқ. Қўлтиғимда ари уялса чидайман-у, лекин қаллиғимнинг чўлга боришига чидолмайман. А. Ҳасанов, Чироқлар. Кимсиз қишлоқлар, тахта қоқилган деразалар, кўришалак уялаган кутсиз уйлар... тоғ манзараларига қабристондай совиқ тус бериб турипти. А. Мухтор, Чинор.

◆ **Уялаб эмкоқ** қ. х. оралиғи бир хил бўлган уялар ҳосил қилиб, шу уяларга уруғ эмкоқ. Сиз, уялаб чигит эмас колхозимиз қандоқ бўлади... дегангиз, раҳматлик Маллавоё ака эмсизга тушади. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**УЯЛАМОҚ** II Ётган жойидан туролмай қолмоқ, туришга мажболи келмай қолмоқ (хайвонлар ҳақида). Қора қушлар айланганига бирорта чўлоқ қўй уялаб қолиб кетганми, деган эдим. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**УЯЛИШМОҚ** уялмоқ фл. бир. н. Улар тоза уялишиди. Болалар ундан уялишмайди.

**УЯЛМАЙ-НЕТМАЙ** рвш Уят, орномус ҳақида ўйламасдан; андиша қилмасдан; уятсизларча, беҳаёлик билан. Уялмай-нетмай ҳақорат қилмоқ. — О, йигит, тонг чоғи, уялмай-нетмай Бир ўзинг гулишанда кезмагинг нечун? Шухрат.

**УЯЛМАЙ-СУЯЛМАЙ** айн. уялмай-нетмай. Шундай [йўл] қизларнинг уялмай-суюлмай чимилдиқда, ҳатто йигитдан ҳам ортириб ҳаракат

қилганларини ҳам кўрдим, сенинг қизинг ҳам шуларнинг биттаси, қайғурма, Офтоб! А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**УЯЛМОҚ** Уяда ўта ноқулайлик сезмоқ, хижолат тортмоқ; андиша қилмоқ, номус қилмоқ. Эр йигитнинг уялгани — ўлгани. Мақол. — Ортиқ бир сўз деёлмадим, Андишалик бу шидан. Лекин отда уялмадим, «Хайр, жоним» дейишдан. Т. Тўла. Улан айтиб тўйинида Уялмадим, ёр-ёр. Йиғлаганда кўз ёшим Тизламдим, ёр-ёр. М. Алавий. Одамлар қарсақ чалиб юборишди. Аёл эси, уялиб, бошини эди. С. Зуннупова, Гулҳан. Мен юкли эканимни, қайтишга уялганимни айтдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УЯЛТИРМОҚ** уялмоқ фл. орт. н. Ҳамров ҳеч қачон мажлисга борман эмас, аммо фурсати бўлганда бир тайёрланиб бормоқчи ва бола тарбиялашни билмаган ёки бу ишга совиқ қараган йўқитувчиларни уялтирмоқчи эди. А. Қаҳҳор, Айб кимда.

**УЯТ** Узининг ноўрин ҳатти-ҳаракатини англаб ўқиниш, ўта хижолат бўлиш ҳисси; андиша, номус. Уятга қолмоқ. Уят ўлмдан қаттиқ. Мақол. Яхши билан юрсанг — старсан муродага, ёмон билан юрсанг — қоларсан уятга. Мақол. || Уят сўз. Уят ибора. — [Йўлчи:] Андак исхоф керак, уят керак. Чолнинг меҳнатиди чириган кўксига бигизни қадайёверманг. Ойбек, Қўтлуг қон. | Кишини ноқулай аҳволга, хижолатга соладиган ҳолат; номус, шармандалик. Ётмоқ эди бу дамда бизга уят, Қоп-қора пардаларни мангуға от. Ғайратий. Уят эмасми, ахир, бу ишинг, Жўжа-хўрозни қилдинг қора-қон? И. Муслим. Туринг, кўз ёшларингизни артинг, уят бўлади! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УЯТЛИ** Киши уяладиган, кишини уялтирадиган; хижолатли. Холмурод бу ҳақда андишана шубҳа қилар, гўё бир уятли иш қилиб қўйгандай ўз-ўзидан номусланар эди. М. Абдулла, Кутилмаган меҳмон. Раҳмат, уста. Кўп илтифот қилиб уялтирманг, мен усиз ҳам уятли бўлиб келдим. О. Ёқубов, Чин муҳаббат. | Ҳаёсиз, шармандали. Узининг ахлоқсизлик ишларини ҳам ёзиб қўйишга ҳавасли бўлган Қори Зоҳид қозикалон ўғли билан бошидан ўтказган ҳодисаларни уятли тавбирлар билан ёзиб қўйган экан. Айний, Эсдалиқлар. Уткинчиларга уятли гаплар айта бошлади, ҳатто бир хотинга ҳўжум қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Уятли одам** одоб, иззат-икром билан муомала қилишни талаб қиладиган, ўта ҳурматли одам.

**УЯТСИЗ** I Ёмон хулқли, номуссиз, шарманда. [Ҳакимбойвачча:] Бас, уятсиз, махлуқ!.. Ким уни заҳарлайди? Ойбек, Қўтлуг қон. Совчилар эрса бундай уятсиз қиздан алҳазар ўқиниб жўнайди. А. Қодирий, Ҳўтан

кунлар. || Булутлар орасидан ой хиёнаткорона мўралади, «хой, уятсизлар, ҳаддиларингиздан ошманлар!» дегандай илжайиб, атрафни ёритди. Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 с. т. Ахлоқ доврасига сиғмайдиған; беҳаё. Уятсиз бола. Уятсиз гап.

**УЯТСИЗЛИК** уятсиз с. белиги оти. Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УЯТЧАНГ** Хижолат тортаверадиган, уялаверадиган; тортинчоқ. Негматжон хуштабиатли, уятчанг бир йешиг бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди Ж. Шарипов, Саодат. Бировага ишқингиз тушса, қиз боладан беш баттар уятчанг бўлиб қолар экансиз. П. Турсун, Уқитувчи.

**УЯТЧАНГЛИК** уятчанг с. белиги оти. Агар.. қизнинг қўрқоқлигидан, уятчанелигидан фойдаланиб, уларни зўр билан ажратиб, қизни тутиб бошқа кишига берсалар, оқибати ёмон бўлади. Айний, Эсдаликлар.— Раҳмат! — деди, кейин шу сўзнинг ўзини уятчанглик билан секин такрорлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УҚА** Безак учун газмол буюмлар, кийим-кечак ва ш. к. нарсалар чегига тикиб, қадаб қўйиладиган узун энсиз мато. Ислом барлос.. қаҳрли кўзларини юқорига — ипак чодирнинг кўркак уқаларига, ранг-баранг ипак шокиллари осилиб турган ишга тикиди. Ойбек, Навоий. Очқ деразадан кирган баҳор шамоли деразанинг учига уқа тутилган сурп пардасини силкитди. С. Аҳмад, Хукм.

**УҚАЛАМОҚ** 1 Баданни ёки унинг бирор қисмини босиб силамоқ, эзгиламоқ, ишқаламоқ. Анорхон кечаси билан кампирнинг бошларини уқалаб, хўрозларнинг товушларини тинглаб чиқди. И. Раҳим, Ихлос. Афғон чой-фуруш қорнини тўйгазиб бўлиб, дарров оёқларини чўзди, тиззаларини уқалаб, гапга тушди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Саид кўзини йиртиб, қовоқларини уқалаб, уйқусини қочирди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. | Массаж қилмоқ. Қўлни уқаламоқ.

2 Ишқаб кўчирмоқ. Девор бўёгини уқаламоқ. — Тергавчи ўйланиб қолди ва зўр бериб пешанасининг кирини уқалар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Ишқаб доналарни сўта, пўст ва ш. к. дан кўчириб туширмоқ, ажратмоқ, тозаламоқ. Кунгабоқарни уқаламоқ. — Жўхорини амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб, келтириб берди. Ғ. Фулом, Тирилган мурда. Қози пиллани олдига қўйди-да, сўйилган анордан катта бир бўлагини олиб йирик қизил доналарини кафтига уқалай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УҚАЛАНМОҚ** 1 уқаламоқ 2, 3 фл. ўзл. н. Куруқ писта яхши уқаланади. 2 уқаламоқ 1, 2, 3 фл. мажх. н. Икки қоп жўхори уқаланди.

**УҚАЛАТМОҚ** уқаламоқ фл. орт. н. Жўхори уқалатмоқ. — Мударрис кўп вақт ҳужрада ётиб қолар, ала шундай кечаларда Мамарайимни олиб кириб кетиб, ўзини уқалатар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УҚАЛАШМОҚ** уқаламоқ фл. бирг. н. Болалар жўхори сўталарини уқалашди.

**УҚДИРМОҚ** уқмоқ 1 фл. орт. н. **УҚИШМОҚ** уқмоқ фл. бирг. н. **УҚМОҚ** 1 Мазмунини ўзлаштирмоқ, билиб етмоқ; англамоқ, тушунмоқ. Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга. Мақол. — Қасос бошини тез-тез иргаб, уқиб оланини ишора қилди. П. Турсун, Уқитувчи. Бу йигирма қоида, Ҳаммаси сенга фойда. Роса ўқиб ёдлаб ол, Уқиб дилги жойлаб ол. К. Муҳаммадий.

2 Пайқаб олмоқ, хис қилмоқ, сезмоқ. Олимов бошқа болаларнинг ҳам ҳайрат билан боққан кўзларида шундай саволни уққан эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Аёл бу саволларни Адолатнинг кўзидан дарров уқиб олди. С. Зуннунова, Гулхан.

**УҚТИРИШ** 1 уқтирмоқ фл. иш оти. Сен сахро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Изохлаш, шарҳлаш, тушунтириш. Уқтириш хати ёзма шарҳ, изоҳ.

**УҚТИРИШМОҚ** уқтирмоқ фл. бирг. н. Улар алланималар дея қизқиршиша ҳам, бир-бирларининг сўзларини англашмас, фақат қўл ва оғиз ҳаракатлари ёрдамида гап уқтиришарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**УҚТИРМОҚ** уқмоқ 1 фл. орт. н. [Сулув] Жапақнинг қўлидан ушлаб бир нимани ҳовлиқиб уқтирар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**УҚУБАТ** [а] Рухий ёки жисмоний азоб, қийноқ, жафо. Нечун ахир шунча уқубат, Самандардай қўйиб яшамок? Т. Тўла. Қутқардинг элимни зулму кулфатдан, Хорликдан, зорликдан ҳам уқубатдан. Фозил шоир. Сўнгера қўнди, менинг бошимга давлат, Сен бўлмасанг бўлар эди уқубат. «Мурдох».

**УҚУБАТЛИ** Қийнайдиган, азоблайдиган; машаққатли, азобли. Уқубатли меҳнат. Уқубатли ҳаёт. — Қасос йўли! Оҳ, бу уқубатли ва мардона йўл. Ш. Тошмагов, Эрк қуши.

**УҚУВ** 1 Кишининг бирор нарсани тушуниб, билиб олиш хусусияти; дид, фаҳм, фаросат. Ҳар ишга уқув керак. — Махмуда уқуви зўрлиги, саводлилиги ва ўддабуролиги туфайли ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб олади. У. Муҳамедов, Опа-сингиллар. Ҳаваси келарди-ю, шунга маҳорати, кучи, уқуви етадими-йўқми ўйлаб кўрмас эди. Шухрат, Шинели йиллар. Эрматжон билан Иномжон ремонтга киришган бўлса ҳам, баъзи жойларига уқувлари етмай, мураатни бураб олишга олиб, жойига қўйёлмай, унинг [Кўқонбойнинг] юрагига гўлгула сола бошлади. Мирмухсин, Қизил дурралар.

2 Талант, истеъдод, қобилият. Шеър яхши нарасаку-я, лекин уни ёзишга уқувимиз йўқ. Ойдин, Суҳбати жонон.

**УҚУВЛИ** 1 Ақл ва дид билан иш тутадиган, тез англаб, тушуниб оладиган; дидли, фаҳм-фаросатли. Уқувли қиз. — Солдат уқувли, энчи, ботиб бўлмоғи лозим, — деди генерал. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Лаёқатли, талангли, истеъдодли. Уқувли, тажрибали кишилар.

**УҚУВСИЗ** 1 Тез англаб, тушуниб ола билмайдиган, уқуви йўқ; дидсиз. Содда кун кечириши ўрганган уқувсиз бир қишлоққа аёл нима ҳам қила олади? П. Турсун, Уқитувчи. Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг уқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, олақуроқ «кинофильм» қилган эди. С. Аҳмад, Чўл шамолларни.

2 Талантсиз, таланти, истеъдоди йўқ. Буларнинг ҳаммаси уқувсиз ёш артистлар томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажаришган ролдай ясама чиқди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**УҚУВСИЗЛИК** уқувсиз с. белиги оти. [Мардон] яқинда олган «Ўси ёдига тушиб, ўз уқувсизлигини тушунгандир. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**УҒОН** эск. дин. Худо, олло, тангри. Уғоним сени ҳам қўлимга шу олмадай узиб туширсин! Ойбек, Навоий.

**УҒ** унд. с. Кучли эмоция билан айтилиб, чарчаш, бўғилиш, рухий ҳис-туйғуларни ифода этади. [Марям:] Уҳ! Жуда қийин ҳолда қолдим-да! Ҳамза, Ким ўғри? — Уҳ, бу Говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурашул тоқчага суяб қўйилган қўшо-тарни қўлига олди. П. Турсун, Уқитувчи. Уҳ тортмоқ айн. ухламоқ. У [Қобил] гамени ва хайлган гапириб, ҳикояси давомида неча-неча марта уҳ тортди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УҒДА** [а] айн. уdda. Аммо тўрт юз жаллоднинг қаршисига чиққан бир кишининг уҳдаси, албатта, бир кишича эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Бойқаро:] Бу нозик вазифанинг уҳдасини сизга ҳавола этмоқчимиз. Ойбек, Навоий.

**УҒЛАМОҚ** Чарчаш, бўғилиш, рухий ҳис-туйғуни ифодалаб уҳ деб қўймоқ; уҳ тортмоқ.

## Ф

Ф Ўзбек алфавитининг йигирма иккинчи ҳарфи; қ. эф.

**ФА** [р<лат] Музыка гаммасининг тўртинчи товуши ва унинг нота белгиси.

**ФАБЗАВҚОМ** [р], фабрика- завод комитети Фабрика ёки заводларда бошланғич касаба союз ташкилотининг сайланма органи.



**ФАБКОМ** [р], фабрика комитети 1 Фабрика бошланғич касаба союз ташкилотининг сайланма органи.

2 с. т. Шу комитет бошлиғи, раиси. **ФАБРИКА** [р<лат] Хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарилган санаят корхонаси. *Поёбзал фабрикаси. Қоғоз фабрикаси. Фабрика комитети.*

**ФАБРИКАНТ** [р] Фабрика эгаси, фабрикачи капиталист.

**ФАБРИКАТ** [р<лат] Фабрикада ёки санаят корхонасида ишлаб чиқарилган мол, тайёр маҳсулот. *Қоғоз фабrikати. Тўқимачилик фабrikатлари. Фабrikатлар сотмоқ. Ярим фабrikат чала тайёрланган, хом маҳсулот.*

**ФАБРИКАЧИ** эск. айн. фабрикант. **ФАБУЛА** [р<лат] ад. Бадий асарда тасвирланган воқеанинг изчил баёни, воқеаларнинг ривожланиш схемаси. *Масхарабозларнинг ҳикоялари, бир томондан, қизиқарли фабуласи.. билан, иккинчи томондан ижро этилиши билан кишиларни ўзига тортган. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.*

**ФАВВОРА** [а] эск. кт. Кучли босим билан юқорига отилиб турадиган суюқлик. *Фаввора урмоқ жўш урмоқ, отилиб чиқмоқ. Адолат чашмаси фаввора урди, Хиёнат балчиғин ҳар ёнга сурди. Ҳабибий.*

**ФАВКУЛОДДА** [а] 1 Бошқаларига ўхшамайдиган, одатда учрамайдиган; кутилмаган; тасодифий. *Фавкулодда ҳодиса. Фавкулодда вазият. || Фавкулодда учрашиб қолдик. — Совчилар бу фавкулодда муомалани кўринган бировга дoston қилиб ўқийдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Замиранинг Муҳаммадjonга унаштиригани ҳали ҳам одамларга фавкулодда бир янгилик бўлиб кўринади. П. Қодиров, Уч илди. | Онда-сонда учрайдиган, одатдан ташқари; камёб. *Тиктепа қишлоғининг гузарида мулла Обиднинг қўлидаги фавкулодда кетмонни кўрган ҳар ким қулади. А. Қодирий, Обид кетмон.**

2 рвш. Ғоят даражада, ҳаддан ташқари; ғоят, жуда. *У фавкулодда хурсанд. — Қошинкор ва нақшин театр фойеси фавкулодда тирбанд. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.*

3 Алоҳида воқеалар, ходисалар ёки махсус шароит талаби билан белгиланадиган, содир бўладиган; навбатдан ташқари. *Фавкулодда комиссия. Фавкулодда ва мухтор элчи.*

**ФАГОЦИТ** [р<грек] биол. Ёт жисм ва бактерияларни тутиб олиш ва хазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳайвон хужайраси.

**ФАЖЕ** [а] кт. Фожиали, мусибатли, қайғули. *Ғаже аҳвол. Ғаже воқеа. — Бошидан кеңирган ғаже ҳодисалар унинг [Гулнорнинг] бутун сиймосида равшан эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ФАЗА** [р<грек] 1 Бирор ходиса-воқеа, жараён ва ш. к.нинг ривож-

ланишидаги айрим пайт, муддат, давр; босқич. *Ғўзанинг шонлиги фазаси. — Бу мақолада биз асосан гул ва ҳосил туғунчалари, унинг ривожланиш фазалари ҳақида фикр юритмоқчимиз. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 1 август. | Тарихий тараққиёт жараёнида, жамият тараққиётида маълум бир давр, босқич. Социализм коммунизмнинг биринчи фазасидир.*

2 махс. Бирор парсанинг шакли ёки ҳолати, характери ўзгаришидаги маълум бир пайт, давр. *Маятникнинг тебраниш фазаси. — Меркурий ва Венера ўз фазаларини Ой сингари ўзгартиб турадилар. «Астрономия».*

3 эл. Генератор ўрачасининг айрим группаси, шунингдек, унга уданган электр симлар.

**ФАЗИЛАТ** [а] 1 Ижобий хислат, яхши сифат ёки хусусият. *Ҳалоллик энг яхши фазилатдир. — Ёш доманинг хушмуомалиғи, яна кўп фазилат ва хислатлари маъно имоми Асад қорининг эски усул мактабига ҳам етиб борди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Генерал Элмуродни ўзининг ҳузурига таклиф этди ва унинг фазилатларини айтиб мақтади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Фазилат (*хотин-қизлар исми*). **ФАЗИЛАТЛИ** Яхши, ижобий хислатга эга, фазилати бор. *Фазилатли одам.*

**FAZL** [а] кт. Ижобий хислат, фазилат. *Баҳор айёми келди, зеб бериб ҳуснига гулзоринг, Қўйиб фазлига фазл, шегр или гудан касбинеу коринг. С. Абдулла.*

**FAZL-KAMOLOT**, фазлу камолот Ижобий хислат(лар) ва камолот, фазл ва камолот. *У ўз хўжасининг фазлу камолотини тақдирлаб, унга хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб ҳисоблар эди. Ойбек, Навоий.*

**FAZO** [а] 1 айн. макон 1. 2 Ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ, уч ўлчовли масофа; осмон; коинот. *Жисмининг фазодаги ҳаракати. Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз, Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг. Ғ. Гулом.*

**FAZOGIR** [а+ф-т.] кт. Фазони забт этувчи (космонавтлар ҳақида). *Улар [космонавт-учувчилар] ажойиб фазогирлар, ўз ишларининг усталаридир. «Қ. Ўзбекистон», 1962, 26 октябрь.*

**FAZOMETR** [р<грек] эл. Ўзгарувчан ток установкаларида фазалар силжиш бурчагини, яъни занжирдаги ток ва кучланиш фазалари ўртасидаги фарқни ўлчайдиган асбоб.

**FAZOTRON** [р<грек] физ. Атом ядроси текширишида қўлланадиган, зарядланган элементлар заррачаларнинг ҳаракатини тезлаштирувчи мослама.

**FAIZ** [а] Ўзига жалб қиладиган, завқ-шавқ бағишлайдиган хусусият; жозибadorлик, иссиқлик; кўрк. *Сўхбатга фазл кирди. Базмининг фазли кетди.*

■ *Фазл ёғилди Ўзбекистонга, Бу дилрабо боғу бўстонга. Х. Расул. Қуруқ сўз тош бўлмас тарозимизга, Фазл ҳам беролмайди қиш-ёзимизга. А. Пулат. Элмурод палаткага кирди. Палатка шам ёруғида эркаларда учрайдиган гўлжаллик ва фазл кашф этган. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**FAIZIYEB** [а+ф-т] кт. Фазлзи, серфазл. *Бу фазлзиёб ҳовлида.. ҳар тоифа кишиларни учратиш мумкин. Шукрулло, Шоирнинг бир кун. Боллар нурдан фазлзиёб бўлди. Ҳ. Гулом, Бир кунимиз.*

**FAIZLI** Ўзига жалб қиладиган, жозибador, иссиқ; кўркам, серфазл. *Фазлзи боғ. Фазлзи одам. Фазлзи сўхбат. — Баланд теракларда қушлар чуғиллаб, Фазлзи бу оқшомни йўлга кузатар. Ғайратий. Ойхонанинг уч томонида катта деразалари бўлиб, зал ҳамшиша ёруғ ва фазлзи эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**FAIZSIZ** Фазли йўқ, кўнгилсиз; совуқ, хунуқ, бефазл. *Фазлсиз одам. Фазлсиз сўхбат. Фазлсиз кўча. — Равшанларнинг ҳовлиси эгаси кўчиб кетгандай бетартиб,.. хас-чўплар бежиримгина ҳовлини фазлсиз қилиб кўрсатарди. С. Қароматов, Бир томчи қон.*

**FAIZ-FUTUR**: фазл-футур кетди айн. футур кетди қ. футур. *Навоий кетди — Ҳиротдан фазл-футур кетди. Ойбек, Навоий.*

**FAJLASUF** [а<грек] 1 айн. философ. *Файласуфлар анжумани.*

2 с. т. Дopolарча мухокама юргизадиган, мухокамали. *У бугун жуда файласуф бўлиб кетган эди. Унинг гапидан ҳаётга тўймаганлик, ўтган умридан қаноат ҳосил этмаганини кўришиб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**FAJLASUFNAMO** [а<грек+ф-т] с. т. Файласуфга ўхшаш, файласуф қиёфасидаги; файласуфлардек. *Файласуфнамо мулоҳаза юритмоқ. — Сўхбатдошим нуроний бир чол — Кувноқ, тетик, файласуфнамо. С. Зуннуова.*

**FAJTON** [р фазтон] эск. Кўтарма соябонли енгил извош арава. *У [от] гоҳ эгарланади, гоҳ ҳовлидаги фазтонга қўйилади. Ҳ. Гулом, Машғал. Ҳаммалари фазтонларга ўтиришиб йўлга тушишди. Ё. Шукуров, Қасос.*

**FAJTONCHI** эск. Файтон ҳайдовчи; киши. *Амирнинг фазтончиси.. чарчаган оқсоқ отнинг сағрисига устма-уст қамчи сола берди. Айний, Қуллар.*

**FAKT** [р<лат] 1 Инкор қилиб бўлмайдиган, реал, бор нарса; ҳақиқий воқеа, ҳодиса. — *Уртоқлар! — деб сўзга киришди Сафарқул, — колхозимизда қулоқ қолдиқларининг ҳаракатлари давом қилмоқда. Бу факт. Айний, Қуллар. Бир муштумзўрдан энчи сотиб олганиниёз ҳам факт! Боласи билан. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. | Бор нарса, воқеа, ҳодиса ҳақида маълумот. Факт тўпламақ. — Ҳам-*



ма бўлган фактларни ёза бер. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Бирор нарса ҳақида хулоса чиқариш, қатъий бир фикрга келиш учун хизмат қиладиган нарса, асос (мас. хужжат, далил, мисол). Жиноят юзасидан йиғилган фактлар етарли эди. Фактларга мурожаат қилайлик. Барча фактлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

**ФАКТИК** [р фактический] Фактга асосланган; аниқ, ҳақиқий. Фактик материаллар.

**ФАКТОР** [р <лат] Бирор процесс, воқеа, ҳодисани юзага ёки ҳаракатга келтирувчи куч, сабаб, омили. *Ҳал қилувчи фактор.* — Бу киши кайфиятни асосий фактор деб ҳисоблайди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ФАКТУРА** [р <лат] Харидорларга сотиш учун жўнатилган молларнинг рўйхати, миқдори ва нархи кўрсатилган хужжат. Фактура билан мол бермоқ.

**ФАКУЛЬТАТИВ** [р факультативный] Мажбурий бўлмаган, ихтиёрий равишда сайлаб олинadиган; ихтиёрий. *Факультатив лекциялар. Факультатив семинар. Факультатив машғулотлар.*

**ФАКУЛЬТЕТ** [р <лат] Олий ўқув юртининг маълум ихтисосга доир фанлар ўқитиладиган бўлими. Филология факультети. Химия факультети. Факультет йиғилиши. — Маҳкамнинг ҳамкурси бўлган бу хушбичим йигит факультет комсомол таъкилотининг секретари эди. П. Қодиров, Уч илди.

**ФАЛАЖ** [а] мед. Асаб системасининг ишдан чиқниши натижасида бирор орган ёки тана аъзоларидан бирининг тамоман ҳаракатсиз бўлиб қолишидан иборат касаллик; шол. *Оёқ фалажи.* Фалаж бўлиб қолмоқ. — [Анорбиби] юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси, ҳапто уч гўдаги тўғрисида бир оғиз васият қилмай, вафот этди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**ФАЛАЖЛАМОҚ** Фалаж, шол қилиб қўймоқ. Пенициллин, биомцицин каби антибиотиклар. грип вирусига таъсир этиб, уларни фалажлайди. Э. Орипов, Кўз илғамас дунё.

**ФАЛАЖЛАНМОҚ** Фалаж, шол бўлиб қолмоқ. Фалажланган оёқ.

**ФАЛАК** [а] 1 Ердан гумбаз, кубба шаклида бўлиб кўринадиган ҳаво бўлиғи, осмон гумбаз; осмон, кўк. Мен аминман: гўзаллиги фалакнинг Фарҳод ГЭСнинг чироқлари ёнғунча. Уйғун. Қўйи ҳам фалакдек қадимийдир. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Осмони фалак** с. т. 1) жуда баланд, ниҳоятда юқори. — Сиз билан тўхтовсиз қилинган машатлар мени аввал осмони фалакка олиб чиқиб, кейин жарга улоқтирди, — деди Олим Эргашга. Б. Раҳмонов, Қилимиш — қидирмиш; 2) кўчма дабдабали, баланд парвоз. Агар бира турмуш қуришга розилик бермасангиз уволимга

қоласиз, деб осмону фалак гаплар қилди. Т. Алимов, Дўппидан бошқага ярамайдиган бош ҳақида достон.

2 Олам, коинот, дунё. Тушса ногоҳ қайси бири ёдимга, Фалак титрар чин оҳ урсам додима. Ҳамза.

3 кўчма Тақдир, қисмат. Шум фалак бошинга савдо солганди, Бир урушда икки ўғлинг ўлганди. «Ширин билан Шакар». Фалакнинг гардиши билан тасодифий равишда, гайрихитиёрий, вазият талаби билан, бирор мажбурийат орқасида. Мана, фалакнинг гардиши билан шоир кўчма яна устари билан қайчи олишга мажбур бўлди. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Парвойи фалак** бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қаровчи; бефарво, беғам. — *Рўзаларингиз чанқаб кетибди, — деди Холдор хуноби ошган ҳолатда [бригадирга], — сиз бўлсангиз парвойи фалаксиз.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. **Фигони фалакка чиқди** ҳаддан ташқари жаҳли чиқди, асабийлашди, бўғилди. *Қампирнинг фигони фалакка чиқиб, сочлари тикка бўлиб кетибди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон.

**ФАЛАКИЁТ** [а] эск. тар. Урта асрларда: астрономия ва табиий географиядан умумий маълумотлар берувчи фан. Мен умумий диния билан бир қаторда мантиқ, ҳисоб, фалакиёт, фалсафа каби инсон зақосининг муқаддас машғаллари билан талабаларимнинг кўнгиладини хушнуд этман. Ойбек, Навоӣй.

**ФАЛАҚ** [а] эск. Гуноҳкор ўқувчининг оёқлари илғига киритиб боғлаб жазолайдиган махсус тахтакач, исканжа (революциядан илгариги эски мактабларда жазолаш воситаси). Биз домланинг қанча калтагани еб, фалақ азобларига чидаб, ўн йилда хат-саводли бўлган эдик. Айний, Дохунда. У [Улмас] фалақни эски мактабда, Шоабдизон домланинг тоқсасида кўрган эди. Е. Шукуров, Қасос. **Фалаққа тортмоқ** айбдорнинг оёқларини фалақ тешигига киргизиб, боғлаб қўймоқ. [Домла] бўлар-бўламасга фалаққа торттавериб, бола бечораларнинг юрагини олиб қўйган экан. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

**ФАЛЛОҲ** [а] Араб мамлакатларидаги ўтроқ дехқон.

**ФАЛОКАТ** [а] 1 Одамлар ихтиёридан ташқари юз берадиган кўнгилсиз ҳодиса, бахтсизлик; офат; бало. *Кушубиби учун бу ҳол қутилмаган бир бахтсизлик, қутилмаган бир фалокат эди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Бу пайт, худди бирон фалокат рўй беришини билгандек, қизча кўзларида кўрқув кўринди.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ? Олахужа қолган мол-мулкларига яна бир фалокат келмаса деб кўрқди. П. Турсун, Уқитувчи. **Фалокат оёқ остида** бахтсизлик қутилмаганда, кўққисдан юз бериши мумкин. **Фалокат босиб** гайрихитиёрий равишда, адашиб, билмай. *Уша куни эрталаб ке-*

лаётсам, бир дўқонда. *Эвоқ бар экан, фалокат босиб ола қолувдим.* Бола-ларга яхши деб. П. Қодиров, Уч илди.

2 сўк. Ярамас; бадбахт. [Бой:] *Фофирни кўрдингми?* [Холмат:] *Боя шу ўртада ўралашиб юрведи, фалокат! Бир зумда йўқолиб қолибди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ФАЛОКАТЛИ** Фалокат, бахтсизлик келтирувчи; хавф-хатарли. [Отибек] *Ўзининг очик кўзи, ўткир эҳни орқали бундай ўзбошимчлик орқасидан мудҳиш фалокатли манзаралар кўрар.* эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ФАЛОКАТСИЗ** Фалокат юз бермай, бахтсизликка учрамай; бешиқаст. — *Айт хўжайинингга, нозик юкни фалокатсиз элиб кўйдим, пулни мўлроқ чўйсин.* — деди [Қора Аҳмад]. Ойбек, Қутлуг қон.

**ФАЛОН** [а] гум. олми 1 Предмет, шахс ёки унинг кимлиги, нималиги, қанчалиги ва ш. к. ни аниқ билдирувчи сўзлар ўрнида ишлатилади. *Фалон киши. Фалон нарса. Фалон жой. Фалон сўм. Фалон вақт.* — Улмасин, йигит экан Фалон завод зарбдори. Г. Ғулом. *Фалон вақтда келман деса, тамом, келмасдан қўймасди.* Ҳ. Умарбеков, Чарос. *Фалон ҳовлида бўйи етган қиз бор, деган гапни эшитиб кўзимиз йўнар, лекин юзини кўрмасдик.* П. Турсун, Уқитувчи. **Фалон-писмадон** (ёки **фалон-пистон, фалон-туғун**) с. т. у-бу, ундай-бундай, анави-манави. *Фалон-пистон деб гапни чўзма.* — *Акам пақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чикмайди-ю, тагин фалон-у писмадон деганига кўяйми!* П. Турсун, Уқитувчи. *Юртда дув гап: фалон бўпти, писмадон бўпти.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Предмет сифати, миқдори ва ш. к.нинг жуда ортиқлиғини, юқори даражада эканлигини билдириш учун ишлатилади. *Олтин соат фалон сўм туради.* — [Мамадалини] *занжирлаб келтирганга фалон минг марка мукофот деб эълон қилган эди.* А. Раҳмат, Эдик бир бақодир.

**ФАЛОНЧА** с. т. Номаълум миқдорни ифодалайди; шунича, шу миқдорда. *Фалонча сўм. Фалонча китоб.*

**ФАЛОНЧИ** гум. олми Қимсани аниқ атамасдан, унинг исми ўрнида ишлатилади. — *Ота-она олдидан одобни унутсин, ҳаёни поймол қилсинми? Менга фалончини олиб беринлар, — десинми?* М. Исмоилов, Фарғона т. о. *Гаплашиб ўтиришни кўмсаб қоларкансан киши. Ота маънос жилмайди.* — «Қарианда фалончи эзма бўпти», — деганлари шунича учундир-да. С. Анорбоев, Оқсой. **Кимсан** — фалончи энг машхур, юқори мансабли; бой, бадавлат. *Кимсан тифируши фалончи бо!* Лекин кўрган одам ямоқчимни, бўзчимни, деб йўлар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ФАЛСАФА** [а <грек] 1 айн. философия.

2 с. т. Эшитиб, мулоҳаза қилишга арзаймайдиган, мавҳум; асоссиз фикр,

мулоҳаза; сафсата. *Қайф машаатни талаб этади. Домла ўз фалсафасини яна тушунтира кетди.* Х. Гулом, Машғал. Бу одам «ҳаётнинг олға босиви мумкин эмаслигини исбот қилтурган» ўзининг фалсафаси билан Саидийни юатар эди. А. Қаххор, Сароб. **Фалсафа сотмоқ** (ёки сўкмоқ) ўринсиз, фойдасиз, узоқ мулоҳаза юритмоқ, гапни чўзмоқ; сафсата сотмоқ. — *Фалсафа сотини бас, — деб Ҳасаннинг сўзини кесди Фотима.* Айний, Куллар.

**ФАЛСАФИЙ** [a] айн. философиқ.

**ФАЛЬСИФИКАТОР** [p] Фальсификация билан шуғулланувчи, сохталаштирувчи. *Тарих фальсификаторлари.*

**ФАЛЬСИФИКАЦИЯ** [p<лат] Чин, ҳақиқий воқеа ёки ҳодисани бузиб, бўяб кўрсатиш, сохталаштириш, қалбакилаштириш.

**ФАМИЛ** [p фамильный]: **фамил чой** с. т. қора чой ва шундай чой солиб дамланган ичимлик. *Қозоқларнинг.. бири ачиққ фамил чой ичиб ўтирибди.* Ойбек, Болалик.

**ФАМИЛИЯ** [p<лат] Шахс отларига қўшилиб келиб, шу шахснинг наслини билдирувчи оилавий ном; бобо номи. *Фамилиянеиз нима? Атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг фамилияси Тошмухамедовдир.* — *Икки кун ўтаандан кейин вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ буйруқ — рўйхатда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ФАН** [a] Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи биланлар системаси. *Фан асослари. Фан ютуқлари.* — *Совет фани эришган бу ғалабага бутун дунё жамоатчилиги қойил қолди.* «Фан ва турмуш», 1959, № 10. | Шундай биланлар системасининг алоҳида тармоғи. *Аниқ фанлар. Ижтимоий фанлар. Табиий фанлар. Физика фани. Тил ҳақидаги фан. Филология фанлари.*

**ФАНАТИЗМ** [p<лат] 1 Диний эътиқодларга, хурофотга ёки бирор назарий қарашларга қаттиқ ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, ўтакетган мутаассиблик, жохиллик. *Диний фанатизм.*

2 Бирор иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетиш, муккасидан кетганлик, ўта ишқибозлик.

**ФАНАТИК** [p<лат] 1 Диний эътиқодларга ёки бирор оқим идеологиясига қаттиқ ёпишиб олувчи, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этувчи, ўта мутаассиб.

2 Бирор иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетган, муккасидан кетган, ўта ишқибоз одам.

**ФАНАТИК** [p фанатичный] сфм Фанатизмга оид, фанатизм билан сугорилган. *Фанатик одам.*

**ФАНЕР** [p фанера] 1 Юпқа ёғоч тахталарни устма-уст елилаб ёпиштириб тайёрланган яхлит қурилиш материали. *Бир тахта фанер.* —

*Уячани фанердан, картон қоғоздан иксовимиз ясардиг-у, аммо инни да-рахтага ўзим осиб тушардим, — деди Садира.* А. Мухиддин, Юэига чарм қоплаган киши.

2 Мебелларнинг сиртига қоплаш учун ишлатиладиган юпқа тахта, пластинка.

**ФАНЕРА** [p<нем] айн. фанер.

**ФАННИЙ** [a] кт. Фанга, илмга асосланган; илмий.

**ФАНО** [a] эск. кт. 1 Йўқ бўлиб кетиш, ўлиш. *Фано бўлмоқ.* — *Юрт эгаси энди фано бўлибди, Ул сабабдан сендай жаллод келибди.* «Ширин билан Шакар».

2 Ўзидан ва бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сиғиниш. — *Умримни фақру фано йўлига бағишламоқ ниятидамен, — кўзларидаги ҳасратни учқунлангириб гапирди Ҳайдар.* Ойбек, Навоий.

**ФАНТАЗИЯ** [p<грек] 1 Инсоннинг бирор нарсани ўйлаб чиқариш, тасаввур қилиш қобилияти; ижодий тасаввур, фараз. *Фантазияси кучли одам. Фантазия қимматли истеъдоддир.*

2 Амалга ошиши қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган ҳаёлий орзу. *Инсон фантазиялари ҳақиқатга айланмоқда.* — *Очил.. Маҳкамнинг ижод фантазиясига тушунмасанидан жилмаяр эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 Муз. Эркин услубдаги энгил музика асари. *Катта ва кичик формадаги энг яхши асарларнинг деярли ҳаммаси тингловчиларга ҳавола қилинмоқда.* ..М. Насимов ва бошқа композиторларнинг.. рапсодия ва фантазиялари шулар жумласидандир. Б. Зиёев, Ижод уфқлари.

**ФАНТАСТИК** [p фантастический] 1 Фантазияга (қ. фантазия 2) асосланган; фантастикдан иборат бўлган; борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар ғайритабиий равишда, муболага билан тасвирланадиган. *Фантастик роман. Фантастик ҳикоя.*

2 Амалда, ҳақиқатда бўлмайдиган, ўйлаб, тўқиб чиқарилган; уйдирма; ҳаёлий. *Фантастик воқеа.*

**ФАНТАСТИКА** [p] Ҳаёлда, тасаввурда туғилган, ажойиб, ғайритабиий ходиса, образ ва ш. к. ҳамда шундай ҳаёлий ходиса ва образлар тасвири. *Халқ эртаклари фантастикаси.* | Шундай образлар тасвирланган адабиёт жанри.

**ФАНФАРА** [p<итал] муз. 1 Одатда хабар қилиш, сигнал бериш учун чалинадиган мисдан ясалган музика асбоби. *Парад қатнашчилари фанфараларнинг садоси остида саф тортдилар.*

2 Шундай чолғуда тантанавор руҳда ижро этиладиган мусиқий фраза, қисқа сигнал.

**ФАОЛ** [a] 1 сфм Бирор ишга ғайрат билан киришадиган, астойдил ишлайдиган; ишчан, актив. *Фаол комсомол аъзоси. Фаол хизматчи.* || Бирор ишда фаол қатнашмоқ. — *Агар у билан тур-*

*муш курсам, уни ишчан бир колхозчи, социалистик қурилишнинг фаол бир иштирокчиси қилиб тарбиялайман.* Айний, Куллар. *Батальон Н. шахри учун бўлган бир ҳафталик жангда фаол қатнашиб, шахарга биринчилар қаторида кириб борди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 от Бирор коллективнинг актив қатнашчиси; берилиб, астойдил ишлайдиган жамоатчи; активист. *Стол ёнида комиссия аъзолари, қўйчи батрак фаоллари ўтирадилар.* А. Қаххор, Сароб. *Мулла Обид қишлоқ йиғинларига, фаоллар мажлисларига бормайди эмас, боради.* А. Қодиров, Обид кетмон. *Қишлоқ фаоли Низомиддинов Назирқулни балолардан сақлаб қолди.* С. Ахмад, Хукм.

**ФАОЛА** [a] Фаол аёл; активистка.

**ФАОЛИЯТ** [a] 1 Бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат. *Ижодий фаолият. Сиёсий фаолият. Ижтимоий фаолият. Давлатнинг фаолияти.* — *Ўзингга маълум, қишлоқ меҳнаткашларининг боғсачиларга қарши фаолияти ўсмоқда.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Кун бўйи гоҳ кучли, гоҳ суст артиллерия отишмаси, разведкачиларнинг фаолияти давом этди.* Ойбек, Куёш қораймас.

2 Иш, ҳаракат; ҳаракат жараёни. *Юракнинг фаолияти.*

**ФАОЛИЯТЛИ** Астойдил ишлайдиган; ишчан, фаол, актив. *Фаолиятли одам.*

**ФАОЛИЯТСИЗ** Бирор ишга актив қатнашмайдиган, астойдил ишламайдиган; пассив. *Фаолиятсиз ходим.*

**ФАОЛИЯТСИЗЛИК** фаолиятсиз с. белги оти. *Фаолиятсизлиги учун танқид қилмоқ.*

**ФАР** с. т. *Фара. Моторларни гувиллатиб бирин-кетин бурилаётган машиналар фари бирдан Замиранинг юзига туйди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ФАРА** [p<фр] Автомобиль, локомотив, велосипед ва ш. к.нинг олд қисмига ўрнатилган, йўлни ёритишга хизмат қиладиган рефлекторли фонарь. *Икки машина фараси тўқнашиб, кундуздай қарақлаб кетган кафтдай жойда, унинг [Латифнинг] зўрға илиниб турган.. кепкаси кўринди.* О. Ёқубов, Ларза.

**ФАРАЗ** [a] Бирор нарса ҳақида олдидан, тахминан чиқарилган ҳукм, ҳулоса, тахминий мулоҳаза; тахмин. *Бу икки фараз тамомла хато бўлиб чиқди.* — *Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур, — деди профессор.* А. Раҳмонов, Хурмат-этиром. **Фараз қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) тахмин, гумон қилмоқ. *Йўлчи уни тоғасининг қизи эканини фараз қилди.* Ойбек, Кутлуғ қон; 2) . . . деб ҳисобламоқ, билмоқ. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмаслиқни таъкидлади: — Бизни бу ерда йўқ деб фараз қилинг.* Шухрат, Шинелли йиллар,

**ФАРАЗАН** [a] *реш.* кт. Фаразга асосланиб, фараз қилиб; тахминан.

**ФАРАЗИЙ** [a] кт. Фаразга асосланган, тахминий; ҳаёлий.

**ФАРАЗИЯ** [a] *айн.* гипотеза.

**ФАРАНГ** [ф-т<a] *эск.* I *айн.* француз. [Рухонийлар:] Афрондан фаранглар ўтиб келмасдан, Ғурбатда занжидай қул сотилмасдан — Итоат этайлик оқ подшоҳга. Шайхзода. | Европадан келган киши; европалик. «Оббо шайтон-эй. Фарангларга ҳам сўз бермайсан, сен айёр», — деб фикр юритди Бек. Ш. Тошматов, Эрк қуши. || У [Ғуломжон] комитет аъзолари билан маслаҳатлашиб, хуфтондан кейин ёнида тўртта фаранг йегит билан уста Баҳромниқига келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Францияда, Европада тайёрланган; Франциядан, Европадан келтирилган **Фаранг милтиқ** эски пиликли милтиқдан фарқланадиган, патрон билан ўқланадиган милтиқ. *Елкасида фаранг милтиқ таққан Хайдар мерган, қўлида буреут қўндириб бормоқда эди.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м. **Фаранг рўмон** юпка, энгил, товланиб турадиган ипак рўмоннинг бир тури. *Майна бошига ташлаб олган ҳарир фаранг рўмонининг икки учини тутиб, очиқ деразадан Ҳабиба хонимни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *кўчма* Ҳар бир иш қўлидан келадиган; моҳир, уста. У [Ашурмард] маргина эмас, кўли гул фаранг ҳам эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. — Ҳа, Азизжон, .. ўзинг ҳам фаранг жарроҳ бўлсан-да, — дейди Комил ака. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи. *Ҳозир шаҳарда уста Баҳромнинг олдига тушадиган фаранг йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Устаси фаранг** 1) ўз ишининг моҳир устаси. *Назаримда барча ранени камалак Ундан олган чоғи; унга бир қаранг, Санъатнинг кучини намойиш қилмиш, Атласни тўқиган устаси фаранг.* Уйғун; 2) *кўчма* салб, юлдузни бенарвон урадиган, уддабурон, олғир. *У ойга човут соладиган устаси фаранглардан.* «Муштум», 1959, № 22.

**ФАРАНГИСТОН** [ф-т] [Ф — катта] *эск.* Франция; Европа.

**ФАРАҲ** [a] *поэт.* Шодлик, хурсандлик туйғулари; вақтчоғлик, севинч. *Тақсир, бу мухийи асил фоний дунёмининг аламларини ёзади, озор чеккан кўнгилларимизга фараҳ бағишлайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эзилган кўнгуллар яйрашда эди.. Фараҳ юз очарди қалбим боғида. Миртемир. Далаларга баҳш этиб чирой Яна келдин, сеvimли байрам. Яна келдинг латофатли ой, Яна келдинг фараҳ тўла дам.* Ҳ. Салоҳ.

**ФАРАҲБАХШ** [a+ф-т] кт. Шодлик, қувонч бахш этадиган, кўнгил очадиган; ёқимли. *Фараҳбахш суҳбат.* — *Кўчма* энди бошланган, бизнинг томорқамиздаги ўрик дарахтлари гуллаб ўз чечаклари билан боғчага фараҳ

бахш тус бергандилар. Айний, Эсдаликлар. *Қуйлайман, созимда денгиз мавжи бор, Ҳар сатрим, сўзимда фараҳбахш баҳор.* Э. Охунова.

**ФАРАҲЛИ** *айн.* фараҳбахш. *Фараҳли тонг.* — *Кўп фараҳли бўлар эди ёгин эртаси, Кулф урарди лола — тоғнинг сўлим эркаси.* Ҳ. Салоҳ.

**ФАРАҲЛИК** I кт. фараҳ с. мавҳ. от.

2 *айн.* фараҳ.

**ФАРАҲМАНД** [a+ф-т] *айн.* фараҳнок.

**ФАРАҲНОК** [a+ф-т] *эск.* кт. Дилхуш, вақти чоғ; хурсанд. *Фараҳнок бўлмоқ. Фараҳнок қилмоқ.*

**ФАРД** [a] *эск.* кт. I Якка, ёлғиз. *Ўзи шамсиз туриб, ота-онага чироғ ёқини асло тасаввур қилолмас, .. яъни истиқбол Анварнинг фард ҳаётида ёлғиз муҳаббат эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 *ад.* Классик лирикада бир байтдангина иборат кичик мустақил шеър.

**ФАРЁД** [ф-т] Каттиқ хафалик, алам, рухий азоб кабилар таъсирида ўзини тугалмай ўкириб йиғлаш, дод солиб йиғлаш. *Фарёд қилмоқ (этмоқ, айламоқ).* — *Эъвозхоннинг фарёдини кўчада йиғилганлар эшитди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Аҳмаджон.. уни [фашистни] олиб тушиб фарёд чекаётган кампирнинг оёғи остида бўғиб йлдиришига қарор берди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. «Дод! Войдод! Қароқчилар бодди!» Довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Она фарёд урди дил чокин сўкиб, Унинг кўзларига ёруғ тонг тундай.* Т. Тўла.

**ФАРЗ** [a] I Мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган диний бурч. *Йўқ, бу [паранжи] бир тангага қиммат, гарога сира арзимайди. Аммо керакли нарса у, мусулмончиликнинг фарзларидан бири шу бўлмоқ-ку!* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Ҳоноқонинг олдиди [эшон] таҳорат қилиб, пешинда фарз билан суннат қилиб туранларини кўриб келдим, — деди Ертибой.* «Зулфизар билан Авазхон». **Фарзи айн** мусулмон киши билиши, бажариши, шарт бўлган асосий қоидалар ҳамда шундай диний қоидалар ёзилган тўплам. *Бутун умрида пешанаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айнининг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч. *Ота амрини бажариш — бола учун фарз.* — *Сиз ақлли йегитсиз, сизга ўргатиш қийин, лекин айтаман: дадангизнинг орзусини қониқтириш — сизга фарз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ФАРЗАНД** [ф-т] I Ўғил ёки қиз (ота-онага нисбатан); бола. *Худо бир қиз беран эди, мана ҳозир бўйи этиб қолди. Бошқа фарзандим йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Асрорқул фарзанд кўрди.. боланинг отини Едеор қўйди.* А. Қаххор, Асрор бобо.

2 кт. *кўчма* Ўз Ватани ёки халқига манфаат келтирадиган, унга астойдил хизмат қиладиган киши. *Ватанинче содиқ фарзандлари.*

**ФАРЗАНДЛИ** Фарзанди бор, фарзанд кўрган; болали. *Фарзандли аёл.*

**ФАРЗАНДЛИК** фарзанд с. мавҳ. от. *Фарзандлик бурчи.* *Фарзандлик салом.* *Фарзандлик қилмоқ* кимсага ўғил ёки қизлик бурчини адо этмоқ. **Фарзандликка бермоқ** ўз боласини (ўғил ёки қизини) бировга бутунлай фарзанд қилиб бермоқ; бировнинг тарбиясига топширмоқ. [Шоқосим] *хўжайинлар тоифасида инсоф йўқлигидан.. бирога фарзандликка берган ўғлини кўриб келишига ҳам вақт тополмагандан, умуман, ярали кўнгилнинг додидан бир-бир баҳс очди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Фарзандликка олмақ** бировнинг боласини ўзига фарзанд (ўғил ёки қиз) қилиб олмақ, бутунлай ўз тарбиясига қабул қилмоқ.

**ФАРЗАНДСИЗ** фарзанди йўқ; боласиз. *Иккови ҳам катта бўлди. Бойсари — бой, Бойбўри шох эди. Иккови ҳам фарзандсиз бўлди.* «Алпомиш».

**ФАРЗИН** [ф-т] Шаҳмат ўйинида энг кучли дона, сипоҳ. *Фарзинни юрмоқ.*

**ФАРЗОНА** [a+ф-т] *поэт.* Кўп нарсадан хабардор; оқил, донишманд, доно. *Жам бўлиб бахту саодатли очик пешоналар, Ҳар бири меҳнатга моҳир, олим фарзоналар. Ҳабибий.*

**ФАРИШТА** [a] I Диний тасаввурга кўра, худо топшириқларини ижро этувчи, жаннат ва дўзахни бошқарувчи, қанотли, ғайритабiiий махлуқ; малак. *Баъзи ривоятларга қараганда.. фаришталар жаннатдаги кавсар сувидан.. қумгонларимизга қуйиб кетар эмиш!* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал (кўпинча аёллар ҳақида). *Унинг сеҳрловчи қора кўзларини Валхонгина кўроланчи, холос. Аммо бу саҳройи фаришта юзини беркитиб олгунча, ўзини йўқотиб қўлязгинди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сизни эшонидан ортиқ севман, севгим, фариштам.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Фариштаси йўқ** кўрки, ўзига жалб қиладиган фазилати йўқ; хосиятсиз. **Фариштаси йўқ уй.** — *Кўёвнинг юзида фариштаси йўқ, Ҳоҳжархон, фариштаси йўқ. Кўнгулла хуш келмаган никоҳ худого уш келмайди!* А. Қаххор, Тобутдан товуш.

**ФАРИШТАСИЗ** Кишини ўзига тортмайдиган; кўрксиз, ёқимсиз; фаришта-си йўқ. **Фариштасиз одам.** **Фариштасиз ҳовли.**

**ФАРМАКОЛОГ** [р] Фармакология мутахассиси.

**ФАРМАКОЛОГИК** [р] фармакологический) Фармакологияга оид.

**ФАРМАКОЛОГИЯ** [р<грек] Дори моддаларнинг организмга таъсирини ўрганадиган фан.

**ФАРМАЦЕВТ** [р] Фармацевтика маълумотиغا эга бўлган дорихона ходими; фармацевтика мутахассиси.

**ФАРМАЦЕВТИКА** [р < грек] Дори-дармонлар топши, ҳосил қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва беморларга бериш ҳақидаги фан.

**ФАРМОЙИШ** [ф-т] кт. Бирор ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, топшириқ, кўрсатма. *Фармойиш бермоқ, Фармойиш олмақ.* — *Ўзига хос салобат билан Фармойишлар бери-ди дарға.* Э. Раҳим.

**ФАРМОН** [ф-т] 1 Бирор ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, топшириқ; амр. *Фармон бермоқ.* — *Қўрқма, қўрқма! — деди Саид Жалолхон дадилланиб, — сенга ҳам арз, ҳар фармон қилгани келдим.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Ҳокимият олий органи ёки давлат бошлиғининг қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши. *СССР Олий Совети Президиумининг Фармони.* *Фармон чиқармоқ.*

**ФАРМОНАЧИ** тар. Фармонни маълум қилувчи. — *Фармончи от чоғиб, қайнатамиз Исмоилхўжа ҳазрат ҳовлисига келиб, марҳумнинг бола-чақаларини огоҳ этди, — дейди хон.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ФАРМОНБАРДОР** [ф-т] 1 Буюрилган ишни беками-кўст бажарадиган, бировга сўзсиз қулоқ соладиган; итоаткор. *Асрлардан бери хотин-қизлар эрлар қўлида фармонбардор ва қул бўлиб келдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1922, № 97.

2 Ҳамиша хизматга тайёр, илтифотли; меҳрибон. *Аммо оғаси буюрган ишни... адо қилувчи бир фармонбардор йигит.* А. Қодирий, Обид кетмон. | салб. Хушомадгўй, лаганбардор. *Директор ва унинг фармонбардорлари буларнинг бирини «ёш», бирини «кўноқ».. деб ишдан бўшатдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 213.

**ФАРМОННОМА** [ф-т] кам қўлл. Ёзма равишда берилган фармон, ёзма буйруқ. *«Фармондан таклифнома чиқмайди, фармоннома чиқади...» — деб кўнглидан ўтказди уста.* Мирмуҳсин, Созанда.

**ФАРМОНОМУЗ** [ф-т] Буйруқ оҳангида, фармонга ўхшаш. *Эликбоши яна ўшқириб, фармономуз гаплар айта бошлади.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ФАРОВОН** [ф-т] 1 Ҳар жиҳатдан тўла-тўқис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл; тўқ, бардам. *Фаровон ҳаёт.* — *Ташаккур, қаҳрамон советлар халқи, Сен билан яшайди фаровон дийр.* А. Пўлат. *Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Кўп миқдорда бўладиган; мўл-кўл, сероб. *У томонларнинг қишлоқнинг биринчи ва фаровон меваси узум эди.* Айний, Эсдаликлар.

**ФАРОВОНЛИК** фаровон с. белги оти. *Баркашларда тўлиб-тошиб тортилиб нонлар, Фаровонлик, серобчи-*

*лик.. ҳар уйда байрам.* Ҳабибий. *Сув оқиб ўтган йўлларда саховат, эзгулик, барак, фаровонлик гуркирайди.* Э. Охунова, Уйғоқ дарё. *Ҳамма фаровонлик пахтадан, ука.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ФАРОМУШ** [ф-т] эск. кт.: фаромуш бўлмоқ хаёлдан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. *Отанг бизга нисхатлар деб эди, Ҳай аттанг, ақлимдан бўпти фаромуш.* «Хушкелди». *Фаромуш қилмоқ унутмоқ, эсдан чиқармоқ.* *Авф этасизлар, авф этасизлар!.. Мана бу китобни фаромуш қилиб қолдириб кетибман.* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

**ФАРОМУШХОТИР** [ф-т-а] эск. кт. Бирор нарсани тез унутиб юборадиган; парижонхотир. *Фаромушхотир одам.* *Фаромушхотир бўлмоқ.*

**ФАРОСАТ** [а] Қишидаги тез ва тўғри фахмлай олиш қобилияти; фаҳм; заковат; дид. *Шунақа пайтларда ота-буваларимиз ҳам, ўзимиз ҳам ақл билан, фаросат билан иш битириб келганмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Барақалла боболар фаросатиға: Разм солиб топганлар шаҳар нуқта-син!* Шайхзода.

**ФАРОСАТЛИ** Фаҳм-фаросатга эга бўлган; заковатли, дидли. *Фаросатли одам.* — *Ҳайдар эҳни ўтқир, фаросатли йигит, уни куёв қилсам, ўзимга дастёр беминнат орттирган бўламан, — деб ўйлади Абдужабборхўжа.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ФАРОСАТСИЗ** Фаҳм-фаросатга эга бўлмаган, дидсиз. *Фаросатсиз бола.* *Фаросатсиз — фалокатга йўлиқар.* Мақол.

**ФАРОҒ** [а] кам қўлл. кт. айн. *фароғат.* *Ошифта Ҳабибийни ўз ҳолига қўймайдир, На бир дам олур ором, на лаҳза фароғ истар.* Ҳабибий.

**ФАРОҒАТ** [а] 1 Киши ором оладиган ҳол, шароит, осойишталик, тинчлик; роҳат. *Фароғатда яшамоқ.* *Фароғат қилмоқ.* — *Бу чинорнинг ости қандай, кўрай деб, Яхши бўлса, бир фароғат қилай деб... Чинорнинг остига яқинлаб етди.* «Ёдгор».

2 Фароғат (*хотин-қизлар исми*).

**ФАРОҒАТЛИ** Роҳат-фароғатга эга бўлган, хузур-халоватли. *Фароғатли турмуш.* — *Фароғатли дамлар қошимда; Рухим кезар мисоли сайёҳ. Мен йигирма олти ёшимда, Ҳаёт шунча ет-залдир, воҳ-воҳ!* М. Али.

**ФАРОҒАТСИЗ** Фароғати йўқ, хузур-халоватсиз. *Фароғатсиз кунлар.*

**ФАРРОШ** [а] 1 Кўча-кўй, ҳовли ва боғларга сув сепиб, супуриб-сидириб юрувчи хизматкор; қоровул. *Чорраҳада узун супургисини тутган фаррош кўринди.* Ш. Холмирзаев, Тутқинлар.

2 Идора ёки муассасаларда хоналарни супуриб-сидирувчи ходим. *Эртарақ келганида, албатта, касалхонада ишлайдиган фаррошни қақриб, печкага ўт ёқтирар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ФАРСАНГ** [ф-т < а] эск. кт. Тах-

минан 7—8 километрга тенг узунлик, масофа ўлчови. *Хусайн Бойқаро лашкари Мирзо Ёдгорнинг йигитларини бир неча фарсанг масофагача қувиб, асирлар билан қайтдилар.* Ойбек, Навоий.

**ФАРСАХ** [а] айн. *фарсанг.*  
**ФАРТУК** [р < нем] 1 Одатда кийимни ифлос қилмаслик учун либос устидан кийиладиган ёки белга боғлаб олинадиган иш кийими; этак, пешбанд. *Клеёнка фартук.* — *Эшикдан олдиға фартук тутган Гуар чиқди.* С. Зунунова, Гулхан. *Бошида моғор эски дўппи, олдида шакар қопдан тикилган фартук.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Уқувчи қизларнинг мактаб формаси устидан кийиладиган оқ ёки қора енгил кийими. *Ҳаво ранг штапель кўйлак устидан оқ фартук кийган бир жажжжи киз олтинчи «В» синфининг қўйтавақа... эшиги олдида бир оз аланглаб турди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. 2 с. т. айн. *этак 2.*

**ФАРФОР** [р < ф-т] Оқ лойнинг энг аъло навидан тайёрланадиган сунъий минерал масса; чинни. *Фарфордан ясалган ваза.* || *Фарфор идишлар.*

**ФАРШ** [а]: *фарш қилмоқ* эск. кт. ҳовли, йўлка ва ш. к.га тош ёки ғишт ётқизмоқ. *Пишиқ ғишт билан фарш қилинган ҳовли.*

**ФАРҚ** I [а] Нарсалар орасидаги номувофиқлик, ўхшашсизлик; айирма, тафовут. *Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор.* Мақол. — *Бу ишда [жувоз ишида] одам билан от орасида фарқ йўқ; иккиси ҳам гир-гир айланади, баравар ишлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Марғилолик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи — боламизсиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Фарқ қилмоқ** 1) бирор предмети, унинг ўзига хос хусусиятларига қўра, бошқалардан ажрата билмоқ, тафовутини сеза олмақ. *Айниқса.. Элмурод бу ҳолатни бошқалардан кўра кўпроқ фарқ қилди.* П. Турсун, Уқитувчи; 2) ўзининг бирор хусусияти билан бошқалардан ажралиб турмоқ. *Улар бир-биридан фарқ қилмайди.* — *Бир шаҳарнинг қаймоғи бошқа шаҳарнинг қаймоғидан фарқ қилади-а? А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.* **Фарқиға бормоқ** айн. **фарқ қилмоқ** 2. *Чой навларининг фарқиға бормоқ.* — *У бу гапларни, гўё ҳеч нарсанинг фарқиға бормайдиган одамдек, бепарво гапирарди.* Ҳ. Шамс, Душман.

**ФАРҚ** II [а] Сочнинг икки ёққа тарашидан бошда ҳосил бўладиган йўл, чизиқ. *Фарқ очмоқ.* *Фарқни қийшиқ очмоқ.* — *[Сораконнинг] учли пешанасининг ўртасидан фарқ очилиб, жингалак сочи қошларига тегай-тегай деб, қулоқлари орқасига ўтиб кетган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ФАРҚЛАМОҚ** Бирор нарсани иккинчи бир нарсадан ажрата билмоқ; фарқиға бормоқ.

**ФАРҚЛАНМОҚ** I *фарқламоқ* *фл.*

мажх. н. Юлдузлар бир-бирларидан ўзаро фарқланадилар.

2 айн. фарқ қилмоқ 2 (қ. фарқ 1).

**ФАРҚЛИ** Бирор хусусияти билан ажралиб турадиган, фарқланадиган, тафовут қиладиган, фарқи бор. Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам, бир-бирларидан фарқли эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. [Загчақўз].. қамишқапаликларни.. таҳқир қилар ва уларнинг шаҳарликларниқидан анчайин фарқли бўлган шева ва тилларини масхаралар эди. П. Турсун, Уқи-тувчи.

**ФАРҚСИЗ** Фарқи йўқ, тафовутсиз. Фарқсиз уйлар. || Бу менинг учун фарқсиз. — Улар худди эвизаклардек, чеҳралари бир-бирларига гоаят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишида ювощ одамлар эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ФАРҒОНАЧА** 1 Фарғонага хос, Фарғонада бўладиган. Фарғонача ашула. Фарғонача тўн.

2 Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

**ФАС** Баъзи шарқ мамлакатларида кийиладиган бош кийим; ҳожи дўппи. Абдулвоҳид, кичкина, чўзинчоқ бошидаги тоза, кўркам саллани қозиққа илди-да, эски айниган фасни — «хожи дўппини кийди. Ойбек, Нур қидириб.

**ФАСАД** [р<фр] Уй, бивонинг олд томони. Халойиқ гуриллаб фасаддаги сингари чирроғлар билан ёритилган фойега ва ундан уч зишк орқали залга кирди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ФАСЛ** [а] 1 Бир йилни ташкил этадиган тўрт мавсумнинг бири (қиш, баҳор, ёз, куз). Тошкентда уч фасл ёз, Баҳор шошган ички ёз. Ёз — катта ва асл ёз. Куз — кечиккан кечки ёз. Шайхзода, Тошкентнома. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати: Кумуш қишдан, зумрад баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати. Уйғун.

2 эск. Асарнинг бирор боби, қисми. Қитоб тўрт фаслдан иборат. — Бу боришдан [Отабек] бирор иш чиқара олдим, йўқми, бу тўғрида биз келаси фаслларнинг бирида ўрганармиз. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳар ўлтирганда наҳот бир ҳуюқа ёки бирон романнинг бир фаслини битиролмасам. А. Қахҳор, Сароб.

◆ Бир фасл бирпас, бир оз. Бир фасл жим бўлган меҳмонхона ичидаяна тапир-тупур, тўполон бошланди. Айний, Куллар.

**ФАСОД** [а] 1 Тирик организмнинг яллиғланиши, чириши туфайли вужудга келадиган қўланса хидли сарғиш-кўкиш қуюқроқ суюқлик; йиринг. Фасод боғлаган яра. Яранинг фасодини чиқармоқ. — Фасодни сиқиб чиқарман деб яранч газак олдириб қўйдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Фасод олмақ** 1) фасод боғламоқ, йирингламоқ. Яра фасод олди; 2) кўчма оғир-

лашмоқ, мураккаблашмоқ. Иш фасод олди.

2 кўчма Фитналик билан қилинган иғво, фитна. Бу нуханинг қилмиши иши доим фасод; Кеча-кундуз ўйлагани иғво, ҳасад. А. Пўлат. Ўзинг бир вақт фитна, фасоддан нолиган эдинг. А. Қахҳор, Сароб.

**ФАСОДЛАМОҚ** 1 Газак олиб фасод хосил қилмоқ, фасод боғламоқ, йирингламоқ (яра ҳақида).

2 кўчма Оғирлашмоқ, мураккаблашмоқ (иш, жиноят ҳақида).

**ФАСОДЛАНМОҚ** фасодламоқ *фл. мажх. н.* Яра фасодланди. — Бу жа-жароҳат шу кунгача ичандеина фасодланиб юрган бўлса, бу кун Сафар бўзчи каби бир «бемаъни» бу ярани раҳмсиз суратда ёриб юборди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ФАСОН** [р<фр] 1 Қийим, пойабзал ва ш. к.нинг бичими, ташқи кўрниниши, шакли, модели. Янги фасонда тикилган туфли.

2 с. т. Янги, чиройли бичим ёки моделда тикилган, илгари кўрилмаган, янги нусхадаги. Фасон кўйлак. Фасон туфли.

3 с. т. Пўрим, башанг бўлиб юрадиган; олифат. Фасон йигит. Фасон бўлмоқ. — Бу Назо фасон бизга тинчлик берадими, йўқми? С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ФАСОХАТ** [а] 1 кт. Чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва раволиги. Фасоҳат билан сўзламоқ. — Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, — деди Муқимий. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Фасоҳат (хотин-қизлар исми).

**ФАТАЛИЗМ** [р<лат] Тақдирга, пешанада ёзилганига ишонидан иборат диний-идеалистик дунёқараш.

**ФАТАЛИСТИК** [р] Фатализмга берилган, тақдирга ишонувчи одам.

**ФАТАЛИСТИК** [р фаталистический] Фатализмга оид; фатализмга асосланган. Фаталистик қарашлар.

**ФАТВО** [а] Шарият ва дин қонун-қоидалари асосида руҳонийлар томонидан бирор юридик масала юзасидан чиқариладиган ҳулоса, қарор ёки бирор ишнинг шарият нуқтаи-назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ. Сиз мунофиқ мулла-ларнинг фатвоғиз билан неча-неча минглаб мазлумларнинг бошлари кесилди. Айний, Дохунда. Орадан уч кун ўтиб, намозжумадан кейин Абдуваққос эшон ваъз айтипти, фатвога фатво берилпти. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ФАТИЛА** [а] Ҳалқа-ҳалқа бўлиб турган, жингалак (соч ҳақида). Қизчанинг сочлари фатила-фатила бўлиб турарди.

**ФАТТОН** [а] эск. кт. Қишини ўзига мафтун қиладиган, шаҳдо (кўпинча севиқли ёр кўзи ҳақида). Ёниб тур-

ган, қорачиги кенг, фаттон кўзлар унинг [Қодирнинг] дамини қайтарди. Шухрат, Олтин зангламас.

**ФАТХ** [а] кт. Ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш; босиб олиш. Фатх қилмоқ (этмоқ). — Анварбек Туркистонни фатх қилдимиз? Қилса бир мартаба, йўқса икки мартаба.. кўтаринг. А. Қахҳор, Сароб. Буғун осмонга етди бошимиз — Кемамиз фатх этган фазонинг уйин. Шайхзода.

**ФАТХ-НУСРАТ** [а], фатху нусрат Галаба, тантанали зафар. Бўлиб даҳшатли жанглар, ўтди сонсиз даври давронлар, Бунингдек фатху нусрат кўрмаган бу гумбази атлас. Ҳабибий.

**ФАУНА** [р<лат] Бирор территория, мамлакат ёки геологик даврга мансуб бўлган барча ҳайвонлар мажмуи, ҳайвонот дунёси. Ўзбекистон фаунаси. Африка фаунаси. Меғозой эрасининг фаунаси.

**ФАХР** [а] 1 Мамнунлик ҳисси, мамнуният; гурур, гурурланиш. Жўраҳон кетишига ишонилди. Хотинлар унга ҳам хавотир, ҳам фахр билан қараб, кузатиб қолдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Мақтанишга, гурурланишга арзийдиган нараса ёки кимса, энг яхши намуна, намоянда; ифтихор. Пахта — ўзбек халқининг фахри. — У [Юсуфжон қизиқ] ўзбек совет санъатининг фахри бўлиб қолсан кўнгина талантли артистларни тарбиялаб ўстирди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Бу шеър даҳосига минг йил умр бер! Бу элнинг фахридир, шоир Алишер. Уйғун ва Й. Султон, Навоий. Фахр қилмоқ (ёки этмоқ) айн. фахрланмоқ.

**ФАХРИЙ** [а] 1 Катта хурматга сазовор бўлган; энг хурматли. Фахрий аъзолар.

2 Алоҳида хизматлари учун хурмат юзасидан бериладиган, тақдирланадиган. Фахрий ёрлик. Фахрий унвон. — Уғлим билан катта майдонда Эғалладим букун фахрий жой, Юрагимни очиб айтаман: Салом турмуш, салом гўзал Май! Ҳ. Пўлат. | Ҳурмат юзасидан сайланадиган. Фахрий президиум. Фанлар академиясининг фахрий аъзоси. Фахрий қоровул 1) бирор давлат арбоби ёки расмий кишилар хурмати учун қўйиладиган ҳарбий бўлинка; 2) марҳум хурмати учун тобут қошида турадиган кишилар.

3 Ҳурмат, шон-шараф бахш этадиган; мақтанишга, гурурланишга арзийдиган. Қисқа қилиб айтганимизда, ўзбек санъати ва адабиёти катта, лекин фахрий синовдан ўтди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ФАХРЛАНМОҚ** Бирор кимса, нараса ёки эришилган ютуқ туфайли мамнун бўлмоқ; гурурланмоқ; мақтанмоқ. Совет халқи ўз Ватани билан фахрланади. — Биз хотин-қизлар орасидан ишлаб чиқариш новаторлари қўлиб етишиб чиқётганлиги билан ҳақли равишида фахрланамиз. «К. Ўзбекис-



тон», 1962, 18 декабрь. *Отам ўзи билган бу майда-чуйда нарсдан фахрланмасди.* Айний, Эсдалиқлар.

**ФАХРЛИ** Хурмат, шон-шараф бахш этадиган, фахрланса арзийдиган; шарафли. *Жасоратли терговчиларнинг ишлари нақадар мураккаб ва фахрлидир.* «С. Ўзбекистони», 1967, 26 февраль.

**ФАШИЗМ** [р<итал] Энг агрессив доиралар манфаатини ифодаловчи ўта реакция сиёсий оқим; шунингдек антикоммунизм, шовинизм, ирқчилик кучларига таянувчи, ҳар қандай демократик эркинликни йўқ қилиш, босқинчилик урушларни тайёрлаш ва бошлаб юбориш сиёсатини амалга оширувчи империалистик буржуа диктатурасининг очиқ формаси.

**ФАШИСТ** [р] Фашизм тарафдори; фашистлар ташкилотининг аъзоси.

**ФАШИСТЛАШМОҚ** Фашизм тартиби ўрнатилмоқ.

**ФАШИСТЛАШТИРМОҚ** фашистлашмоқ *фл. орт. н.*

**ФАШИСТЧА** Фашистларга хос.

**ФАЭТОН** [р<грек] айн. *файтон.*

**ФАҚАТ** [а] 1 *рвш* Биргина, ягона, ёлғиз. *Фақат социализм халқларга озодлик келтиради.* — *Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолди. Ундан фақат Нисо буви хабар олиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

2 *зидл. боғл.* Чеклаш маъносини ифодалайди. *Ҳамма нарса тушунарли, фақат битта саволим бор.* — *Фақат бир илтимос: кўркам чаманда, Очиб гул гунчалар, қилганда ханда, Жувономарг гунчани ҳам эсла, ёд эт. Уйғун ва Й. Султон, Навоий.*

**ФАҚИР** [а] 1 *Моддий жиҳатдан* ночор, камбағал, қашшоқ. || *Фақир одам.* — *Бировнинг мол-дунёси охиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми, ахир, эй фалак! Ж. Шарипов, Хоразм. Тақво эмиш қилмишлари. Яъни шулдир ишлари: Фақир молин чайнарга Уткир бўлган тишлари. Ҳамза. Бола фақир ачинарли, қийин ахволга тушган ёш бола ҳақида.* — *Бола фақирга қийин бўлди, — деди Жонузоқ оқсоқол.* — *Иссиқ-совуғига қарайдигани йўқ. Ёлғиз. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *эск.* Сўзловчи камтарлик ифодаси сифатида 1-шахс ўрнида ёки «мен», «биз» олмошлари билан бирликда ишлатади. «*Биз фақирнинг хужрасига ҳам албатта боринг,* — *деб, мени қайта-қайта Кўдонга таклиф қилиб, Уқчи томонга жўнаб кетдилар. Туйғун, Шовр ҳақида ҳақиқатлар. Биродари азиз, меним бу сўзларимдан хафа бўла кўрмангиз, зероки фақирингиз бу сўзларни бир йўсини келиш важидан ёзиб ўтдимиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ФАҚИРЛАШМОҚ** Камбағаллашмоқ, қашшоқлаша бормоқ. — *Алишер мамлакатнинг фақирлашганининг сабабларини кўрсатиб, ўзича исботлаб, бутун давлат тартиботини ислоҳ*

*қилмоқни тавсия қилади, — деди Мажиддиддин. Ойбек, Навоий.*

**ФАҚИРЛИК** *фақир с. мавҳ. от.* Фақирликни бошдан кечирмоқ. — *Содиқлар.. фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-оз ерларидан сотиб, тирикчилик қилар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ФАҚИРОНА** [а+ф+т] *рвш* Фақирга хос; фақирларча, камбағалларча. *Фақирона яшмоқ.* || *Фақирона ҳаёт.*

**ФАҚИР-ФУҚАРО** [а] *с. т.* Ғариб, ночор, камбағал кишилар, бева-бечоралар. *Уста Маҳмуднинг теварак-атрофга донги кетди, уни фақир-фуқаронинг дўсти.. сифатида таний бошладилар.* М. Осим, Маҳмуд Тобрий.

**ФАҲМ** [а] Инсоннинг тушуниш, англаш, фаҳмлаш қобилияти; идрок, фаросат; ақл. *Аждоду боболарнинг фаҳмига балли: Илк деворни урганлар, қулба қураанлар. Шайхзода.* — *Фаҳмича, Ленин деганинг шу йигит бўлса керак, — деб сўзини татом қилди отам. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Фаҳм қилмоқ* 1) *фикр юритмоқ, ўйламоқ, тушунмоқ.* — *Албатта, хўжайинники ноҳақ. Болоси билан ўрналиб қолди, энди ишлай олмайди, деб ўйласа керак у. Мен шундай фаҳм қилдим, — куюниб сўзлади Йўлчи. Ойбек, Қутлуг қон;* 2) *айн. фаҳмламоқ. Фаҳмига етмоқ (ёки бормоқ)* идрок этмоқ, англамоқ, тушунмоқ. *Мен бу бошқа йўлнинг дарров фаҳмига етиб олдим. Ғ. Фулом, Шум бола.*

**ФАҲМЛАМОҚ** 1 Гап, воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг маъносига тушуниб етмоқ, маъносини тушунмоқ, англамоқ; сезмоқ, уқмоқ. *Лекин вишиқдан қирган киши бу ерда соҳибжамол жонон туришини дарров фаҳмлайди. Шухрат, Шинелли йиллар. Элмурод ҳам кайфиятнинг ўзариб қолишига қараб, орада нимадир борлигини фаҳмлади. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 ... *деб билмоқ, ўйламоқ. Мен сени дўст фаҳмлаб юрардим.* — [Раҳим:] *Тўрахоновнинг енгилмас лашқари бизни қочди, деб фаҳмлаб қувлади. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

**ФАҲМЛАНМОҚ** фаҳмламоқ *фл. мажх. н.*

**ФАҲМЛАШМОҚ** фаҳмламоқ *фл. бирг. н.*

**ФАҲМЛИ** Фаҳми бор; идрокли, фаросатли. *Фаҳмли бола. Фаҳмли жонивор.*

**ФАҲМСИЗ** Фаҳми йўқ; бефаҳм, фаросатсиз. *Фаҳмсиз бола.*

**ФАҲМ-ФАРОСАТ** [а] Фаҳм ва фаросат, ақл, идрок. *Ақл, фаҳм-фаросат билан кўнглини йўлга солиб туриш керак. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

**ФАҲШ** [а] Зино ишларига ҳаддан ташқари берилиш; бузуқлик, ахлоқсизлик. «*Урушбой*» *фаҳш ишларида ҳам ҳаммадан ўзишга тиришиди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ФЕВРАЛЬ** [р<лат] Янгича йил ҳисобида иккинчи ой. *Февралнинг ўр-*

*таларида ҳаво юмшаб, дала-тошми, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёниги тешила бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Февраль революцияси* Россияда 1917 йил февраль ойда бўлиб ўтган иккинчи буржуа-демократик революция. *Февраль революцияси галаба қозонгандан кейин большевиклар очиқ шароитда ишлай бошладилар* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

**ФЕДЕРАЛИЗАЦИЯ** [р] *сиёс.* Бирор мамлакатда федератив тузумни вужудга келтириш, ўрнатиш.

**ФЕДЕРАЛИЗМ** [р<фр] *сиёс.* 1 Федерация системасига асосланган давлат тузуми.

2 Шундай давлат тузуми ўрнатишга интилувчи сиёсий ҳаракат.

**ФЕДЕРАЛИСТ** [р] Федерализм тарафдори.

**ФЕДЕРАТИВ** [р федеративный] *сиёс.* Федерация асосида тузилган. *Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси.*

**ФЕДЕРАЦИЯ** [р<лат] 1 *сиёс.* Алоҳида мустақил давлатларнинг бирлашувлари асосида тузилган ахлит давлат, мустақил давлатлар бирлашмаси.

2 Айрим жамиятлар ёки ташкилотлар уюшмаси; иттифоқ. *Жаҳон демократик ёшлар федерацияси. Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси.*

**ФЕЛЬДМАРШАЛ** [р<нем] Чор Россиясида армиясида ва баъзан ҳат эл армияларида: олий генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**ФЕЛЬДШЕР** [р<нем] Ўрта маълумотли медицина ходими, врач ёрдამчиси. *Участка асептиктида курс машғулотни бўлаётганда фельдшер хотин мени ишлаб қақирди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ФЕЛЬЕТОН** [р<фр] Кундалик турмушда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ўткир тил билан танқид қилиб ёзилган актуал темадаги газета ёки журнал мақоласи.

**ФЕЛЬЕТОНЧИ** Фельетонлар ёзувчи.

**ФЕНОЛОГ** [р] Фенология мутахассиси.

**ФЕНОЛОГИЯ** [р<грек] Биологиянинг ўсимликлар ва ҳайвонларнинг фаёл ўзгаришларига боғлиқ ўзгаришини ўрганадиган бўлими.

**ФЕОДАЛ** I [р<лат] Феодализм даврида: крепостной дехқонларни эксплуатация қилувчи катта ер эгаси; помещик. *Ўтмиш жамиятлар.. қулдор ва қулларга, феодалга ва крепостнойларга.. бўлинган.* «К. Ўзбекистон», 1959, № 30.

**ФЕОДАЛ** II [р феодальный] Феодализмга, феодалларга хос. *Феодал муносабатлар.* | Феодализм принциплари асосланган. *Феодал тузум.*

**ФЕОДАЛИЗМ** [р] Феодалларнинг ер-мулкка, ишлаб чиқариш воситаларига ва крепостной дехқонларга бўлган хусусий мулкчилигига асосланган, уларга ўз территориясида тўла ҳукм-



ролик қилиш ҳуқуқини берадиган капитализмдан олдинги ижтимоий формация.

**ФЕОДАЛЛАРЧА** *рви* Феодалга хос, феодаллардай. || *Феодалларча муносабат.*

**ФЕРМА** [*р<фр*] **I** Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигининг бирор тармоғи билан шуғулланувчи, алоҳида ихтисослаштирилган хўжалик. *Паррандачилик фермаси. Чорвачилик фермаси.* — *Хар кунни тонг қоронғисидан қорининг хотини Тўпанисо билан сизир соққани фермада борар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Моллар билан ёз айлоғида бўламиз, Қиш совуқда ферма билан келамиз. Фозил шоир.*

**2** Капиталистик мамлакатларда: ўз ерида ёки ижарага олинган ердаги хусусий хўжалик.

**ФЕРМЕНТ** [*р<лат*] *биол., хим.* Тирик организмнинг ўсиши процессида пайдо бўладиган ва организмда бўлиб турган химиявий реакцияларни тезлаштира ёрдам берадиган органик модда. *Асалнинг шифобахш модда бўлишининг бирдан-бир сабаби, таркибидан ферментларнинг кўпчилигидир. Л. Икромов, Минг дардга даво.*

**ФЕРМЕНТАТИВ** [*р* ферментативный] Ферментга оид; фермент хоссаларига эга. *Ферментатив модда. Ферментатив процесслар. Ферментатив активлик.*

**ФЕРМЕНТАЦИЯ** [*р* *биол., хим.* Ферментлар таъсирида органик моддаларнинг ачиши. *Тамаки ферментацияси. Чой барелари ферментацияси.*

**ФЕРМЕР** [*р<ингл*] Капиталистик мамлакатларда: фермери ижарага олувчи киши ёки ферма эгаси.

**ФЕСТИВАЛЬ** [*р<фр*] Санъатнинг бирор соҳаси ёки ҳамма соҳалар бўйича вақти-вақти билан ўтказиладиган оммавий кўрик ва шу муносабат билан бўладиган байрам, тантана, сайил. *Музыка фестивали. Ўзбек кинофильмлари фестивали.*

**ФЕТИШ** [*р<фр*] **I** Ибтидоий қабила-лар худо деб билиб топилган нарса.

**2** *Кўчма* Кўр-кўрона ишониб, қаттиқ ёпишиб олинган нарса, ғоя ва ш. к. *Миллий масалани ўзига бир фетиш қилиш ишчилар синфига сира келишмади. В. И. Ленин, Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида.*

**ФЕТИШИЗМ** [*р*] **I** Ибтидоий қабила-ларда фетишларга — нарсаларга топиниш, сажда қилиш.

**2** *Кўчма* Бирор нарсага кўр-кўрона эътиқод қилиш, ишониш, унга маҳкам ёпишиб олиш. *Пул фетишизми.*

**ФЕЪЛ** **I** [*а*] **I** Хулқни, киши характери ташкил этувчи рухий хусусиятлар мажмуи; бошқалар орасида ўзини тутиш, муомала қилиш йўсини; характер, хулқ, атвор. *Бу одамнинг феъли ёмон. Итининг феъли эасига маълум. Мақол.* — *Гулнор уй йиғиштирар экан: «Бойнинг феъли яхшиланипти, илгари зикна эди, [деб кўнглидан ўтказди].*

Ойбек, Қутлур қон. — *Бу халқнинг феъли менга маълум — деди Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** Инсоннинг маълум вақтдаги рухий ҳолати, кайфияти, авзойи. *Шундай феъли бузилдики, худодан ҳам хафа бўлиб кетди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Феъли кенг бор нарсасини биров билан баҳам кўрадиган, бировдан аямайдиган, сахий. Феъли кенг аёл.* — *Сўз беришиди оиналар: «Ўртада ҳамма нарса, Майли нимамиз бўлса, Ҳаммамиз ўйнаймиз тенг, Феълимизни тутиб кенг». Қ. Муҳаммадий. Феъли тез қ. тез 4. Феъли тор хаддан ташқари зикна, хасис. Қадим ўтган замонда, Қаттақўрғон томонда, Бир очкўз бой бор эди, Феъли жуда тор эди. Уйғун.*

**ФЕЪЛ II** [*а*] *грам.* Предметнинг иш-ҳаракатини ёки ҳолатини билдирадиган ҳамда шахс, замон ва сонда тусланадиган сўз туркуми. *Келаси замон феъли. Ўтган замон феъли. Утилми феъл. Утилмас феъл.*

**ФЕЪЛАН** [*а*] *рви, кам қўлл.* Характер, феъл жиҳатидан. *Унинг [Хусниддиннинг] кўз олдига марварид сирғасини шовдиратиб Қандолатхон келди. «Бу— феълан кучсизлик самараси»,— деди ўзига-ўзи. Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик.*

**ФЕЪЛ-АТВОР** [*а*] Феъл ва атвор, характер. *Тагин ҳам шулар яхши одамлар. Бўлмаса сизнинг феъл-атворинизга чидамай, қишлоқдан бадарга қилишарди. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? Наталья нарсаларини йиғиштираётди, онасининг феъл-атворини таърифлаб кетди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.*

**ФЕЪЛДОР** [*а+ф-т*] *кам қўлл.* Феъл-атвори ёмон, дағал муомалали; асабий. *Ўз хотининг феълдор бўлса, бировни газаблаш ҳам ярашмас экан. И. Раҳим, Хулоса.*

**ФЕЪЛЛИК** *грам.* Феълга оид, феълга хос. *Сифатдошлар феъллик ва сифатлик хусусиятларига эга бўлади. «Ўзбек тили дарслиги».*

**ФЕЪЛ-ХУЙ** *айн. феъл-атвор.* Мулла Муҳсин Хатиб домланинг феъл-хуйига яхши тушунганликдан унинг ҳамма сўзлариға ҳам батамом ишониб етолмади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ФЙБРА** [*р<лат*] *тех.* Химиявий йўл билан ишлавиб прессланган, ўраш, изоляциялаш материали сифатида ишлатиладиган териға ўхшаш жуда пишиқ картон қоғоз. *Сиртиға фибра сирилган чамадон.*

**ФИГУРА** [*р<лат*] *с. т.* **I** Гавданинг тузилиши, бичими; қадди-қомат, жусса.

**2** Бирор ишдаги асосий, етакчи сиймо. *Пахтачиликда механизатор марказий фигурадир. Таълим-тарбия ишида ўқитувчи бош фигура саналади.*

**3** Шаҳмат ўйинида: дона, сипоҳ. *Зухра шахмат фигураларидан кўзларини узмасди. Ибохон, Улуғ кун.*

**4** Геометрик шакл. *Геометрик фигура.*

**ФИДЕЙЗМ** [*р<лат*] *филос.* Буржуа философиясида: фан ўрнига динни кўтариб чиқувчи, фанни динга алмаштирувчи реакция идеалистик назария. *Энгельс ошқора атеист бўлган Дюрингнинг .. фидеизмга йўл қолдиргани учун, таъқиб қилишга татом ҳақли эди. В. И. Ленин, Эмпириокритицизм ва диалектик материализмнинг билиш назарияси.*

**ФИДО** [*а*] Бирор кимса, нарса ёки идея учун ўзини бағишлаш; қурбон. *Ёлғиз жони сенга фидо отангман, Омон-эсон келишингни тилайман. Фозил шоир. «Ватан учун жон фидо!» — дея қасам ичганмиз. З. Дёнёр. Булар ўз жонларини фидо қилиб, мингларча совет кишиларининг жонига аро киришди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ФИДОЙИ** [*ф-т<а*] **I** Бирор кимса, нарса ёки идеяга астойдил берилган, унинг учун жондан кечинга ҳам тайёр; содиқ. *Бизнинг кишилар мирд, камтар, фидойи, Саботига айтсанг тасанно арзир. М. Бобоев.*

**2** Кўнгили, ўз ихтиёри билан келган солдат.

**ФИДОКОР** [*а+ф-т*] Бирор кимса, нарса ёки идея йўлида ўз жонини фидо қиладиган; чексиз садоқатли, фидойи. *«Демак, мен ҳеч қачон бундай бўлмаслигим, балки ўтмиш зулматидан эзилганларнинг ёруғ келажаси учун фидокор бўлишим керак!» — деб қўяди [Элмурод]. П. Турсун, Ўқитувчи. Дўст халқларнинг қаторида сенинг номинг бор, Коммунизм иши учун сен ҳам фидокор. Ғайратий.*

**ФИДОКОРЛИК** **I** фидокор с. белги оти.

**2** Ўздан кечиб, берилиб ишлаш, жонбозлик. *Пийдалар, тўпчилар, сапёрлар, танкистлар, алоқачилар ва ҳоказо ҳамма, мишжа қоқмай, фавқулдода фидокорлик билан ишлади. Ойбек, Кўёш қораймас.*

**ФИДОКОРОНА** [*а+ф-т*] *рви* Жонини фидо қилиб, садоқат билан, берилиб. *Фидокорона ишламоқ.* — *Биз ўқиб билим олиш билан бирга Коммунистлар партиясининг ҳар бир ишини фидокорона бажаришга доим тайёрмиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ФИЗИК** [*р*] Физика олими, мутахассиси.

**ФИЗИК** [*р* физический] Физикага доир, физика билан боғланган. *Жимларнинг физик хоссалари. Физик ҳодисалар. Физик жараёнлар. Физик методлар билан даволаш. Физик химия химиявий ҳодисаларни физик методлар ёрдамида ўрганувчи, физика ва химияни бирлаштирувчи фан.*

**ФИЗИКА** [*р<грек*] Материянинг хусусияти, тузилиши ва унинг ҳаракат қонувлари ҳақидаги фан. *Назарий физика. Атом ядроси физикаси. Физика кабинети.*

**ФИЗИКАВИЙ** [*р+а*] *айн.* физик. *Жимларнинг физикавий хусусиятлари.*

**ФИЗИОЛОГ** [*р*] Физиология олими, мутахассиси.

**ФИЗИОЛОГИК** [р физиологический] Физиологияга оид. *Физиологик процесслар.*

**ФИЗИОЛОГИЯ** [р <грек] 1 Тирик организмда юз бериб турадиган жараёнлар ҳамда унинг ҳаётий функциялари ҳақидаги фан. *Умумий физиология. Қўёсий физиология. Усимликлар физиологияси.*

2 Организмнинг функциялари, хизмати ва уларни идора қилувчи қонуниятлар. *Марказий нерв системаси физиологияси.*

**ФИЗИОТЕРАПЕВТ** [р] Физиотерапия мутахассиси, врач.

**ФИЗИОТЕРАПЕВТИК** [р физиотерапевтический] Физиотерапияга оид. *Даволашнинг физиотерапевтик усули.*

**ФИЗИОТЕРАПИЯ** [р <грек] Медицинанинг табиатдаги физик кучларнинг (сув, ёруғлик, электр энергияси ва ш. к.нинг) организмга таъсирини ўргатувчи ва уларни касалларни даволашда татбиқ этувчи бўлими. *Физиотерапия йўли билан даволаш.*

**ФИЗКУЛЬТУРА** [р] Организмни ҳар томонлама чиниқтириш ва такомиллаштиришга қаратилган жисмоний машқлар. *Физкультура ўқитувчиси. Физкультура билан шугулланмоқ.*

**ФИЗКУЛЬТУРАЧИ** Систематик равишда ёки доимий касб сифатида физкультура билан шугулланувчи киши; спортчи. *Физкультурачилар паради.*

**ФИКР** [а] 1 Бирор нарса, кимса ҳақида ўй, хаёл. [Нури] тили билан *Фазлидинга ҳар хил ёқимли сўзлар сўзласа ҳам, фикри бошқа ёқларда кезди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Фикрими бўлма, деб ишора қилади [Марасул].* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Вали ака фикрида бир нарсани салмоқлаб кўраётгандек, бир оз соқолини тилаб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Фикрга толмоқ** (ёки **кетмоқ**, **чўймоқ**, **шўнғимоқ**) қаттиқ ўйлаб, хаёл суриб қолмоқ. *Ташқариға чиққанан кейин [Кумуш] айвонининг тумшугига ўтирди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб фикрга толди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Афлотун танбурни чалиб, фикрга шўнғибди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор нарсага нисбатан муносабатни, баҳони ифодаловчи ҳукм, гап, мулоҳаза. *Бу ҳақда қандай фикрдадиз? Бировнинг фикрини билмоқ, Яхшини кўриб, фикр қил, ёмонни кўриб, шукр қил!* Мақол. — *Мен Зокир отанинг фикрига қўйилиш билан бирга, Раҳматилла домлани текшириш керак, деб таклиф қилман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — *Биз қандай чора кўра оламиз, — деди Эраш, — сиз ўз фикриниёзини айтинг!* Айний, Қуллар. *Ленин Мирзачўлди эсига олган, Бу чўлди гул қилиш фикрини қилган.* Фозил шоир. **Фикр юргизмоқ** (ёки **юртмоқ**) бирор хулосага келиш учун нарса ёки ҳодисаларни таққосламоқ; ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ; разм солмоқ. *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди. Бу томонларга андак фикр юрги-*

*зиб, кейин гапиринг, Ёрмат ака. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Бирор иш юзасидан қилинадиган таклиф; маслаҳат. *Бу иш юзасидан қандай фикр берасиз? — Моҳира ойим эридан фикр сўраш ўрнига қизига арз қилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иншоолло, сиз ёлғиз фикр бериш эмас, балки қувона-қувона бу ишга ўзингиз бошичи бўларсиз.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Фикр олишмоқ** бирор масала юзасидан ўз муносабатини, мулоҳазасини бир-бирига айтиб, маслаҳатлашмоқ. *Фикр олишув натижасида улар шундай қарорга келишди: Ҳакимбойвачча онасининг арвоғига «хатм қуръон» қилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор нарсага эришиш, бирор ишни амалга ошириш ҳақидаги ният, мақсад. [Эшонлар] *шармсиздир юзлари, Ошга тўймак кўзлари, Тўйга бориб, тўн киймоқ Ҳамон фикри сўзлари.* Ҳамза. *Ечинаётиб, ётиш фикридан қайтди, аммо нима қилишини билмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Салимбойвачча] *Гулнорнинг ахлоқсиз қиз эканини ўша вақтда фош этишига жазм қилган бўлса-да, бу фикридан дарров воз кечишга мажбур бўлган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Фикрига тушмоқ** бирор нарсага эришишга, бирор ишни амалга оширишга бел боғламоқ, жазм қилмоқ, киришмоқ, пайга тушмоқ. *Шундан кейин бир неча ёр-дўстлари, тўй чиқимини ўзаро устларига олишиб, уни уйлантириш фикрига тушдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 Нарса ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси; яқун, хулоса, тўхтам, қарор. *Зокир ота минбардан тушиб кетмоқчи бўлган эди, Урмонжон сўз қотди: — Шундай фикрга келишиниёзга нима сабаб бўлди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Демак, эркаклар ҳамма нарса тўғрисида ўйлаб, бир фикрга келишган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Тушунча, баҳим; онг, ақл. *Оламининг тузиллиши ҳақидаги фикримиз такомиллашмоқда. — Агар киши ақлни, фикрни китобдан олмаса, қайқдан олади? — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.*

6 Ҳаётни, жамият ва табиатни тушуниш йўсини; дунёқараш, маслак. *Ёшлар «янги фикр», «эски фикр», — деган гапларни йиғиштириб, уламоларимиз билан қўлма-қўла ишлашлари, уламолар олдида адаб сақлашлари керак.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Отанинг, ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмоқчи бўлман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 (=а аффикси билан) кириш с. Айтилаётган фикрнинг бирор шахсга тегишли эканлигини билдиради. *Уларнинг фикрича, бу нарса кўёвга ҳам, келинга ҳам бутун аҳолининг ҳурмат ва муҳаббатини изҳор қилиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. — *Биз бу дақиқада, сизнинг фикрингизча, гўё бир ивгогар, гўё бир исёничи бўлиб танилиб турибмиз!* — деди бек. А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Менинг фикримча, одамларни алдаб-сулдаб ишга солишмоқчи.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **ФИКРАН** [а] *рвш, кт.* Фикр билан, хаёл билан, хаёлан. *Фикран суҳбатлашмоқ. — [Йўлчи] кўжрақдан оққан қонга беланиб ётса ҳам, у фикран, руҳан жангда, курашда эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ФИКРАТ** [а] *эск.* Фикр қилиш, фикр юритиш, ўйлаш.

**ФИКРДОШ** [а+ф+т] Бирор кимса билан бир хил фикрда, маслақда бўлган киши; маслақдош, ҳамфикр. [Отам] *бу байтни тушунтиргандан кейин давом этди: — Кўрдингми, қатта одамлар бир-бирлари билан қандай фикрдош бўлар эканлар.* Айний, Эсдаликлар.

**ФИКР-ЁД** *айн.* фикр-зикр.

**ФИКР-ЗИКР** [а] Бутун вужуд билан орзу қилинган ўй-хаёллар. *Унинг барча фикри-зикри янгиликлар билан банд эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ФИКРИЙ** [а] Фикр юритиш нуқтан назаридан; маъно жияқтап; маъновий. *Фикрий исчилик. Гаплар орасидаги фикрий боғланиш.*

**ФИКРЛАМОҚ** Нарса ёки ҳодиса ҳақида муайян бир хулосага келиш учун мулоҳаза юритмоқ; ўйламоқ. *Кўрбоши бу хабарни эшитиб, фикрлаб, нор дегани Гўрўғли бўлиши керак.. деб, Авазхонни қамаб банди қилади.* «Нигор ва Замон».

**ФИКРЛАШИЛМОҚ** фикрлашмоқ *фл. мажж. н.*

**ФИКРЛАШМОҚ** фикрламоқ *фл. бирг. н.*

**ФИКРЛАШУВ** 1 фикрлашмоқ *фл. иш оти.*

2 Фикри, режалари ва ш. к. ҳақида ўзаро фикр олишув, уртоқлашув, суҳбат. *Фикрлашув дўстона вазиятда ўтди.*

**ФИКРЛИ** Ўйлаб, ақл билан иш тутадиган; мулоҳазали. *Хаёллар дунёси кенг, ўткир фикрли бу ҳассос қиз берилиб кичик-кичик ҳикоялар ёзар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ФИКРСИЗ** Мулоҳаза юритмайдиган, ўйламайдиган. *Фикрсиз одамдан тош яхши.* Мақол.

**ФИКР-ХАЁЛ** *айн.* фикр-зикр. [Йўлчи] *куннинг иссиғида кетмон тащиларкан, фикри-хаёли ҳалиги деҳқонда бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ФИКСАЖ** [р <лат] Фотоқоғоз, пластинка ёки пленкага туширилган расмларнинг тасвирини сақлаш учун ишлатиладиган химик эритма.

**ФИЛ** [а <ф+т] 1 Африка ва Осиёда яшайдиган, сүтэмизувчилар синфига мансуб қатта ҳайвон (унинг сиртга чиққан иккита узун курак тиши-дандони ва бақувват хартуми бўлади; ўсимликлар билан овқатланади). *Фил суяги.*

2 Шахмат тахтасида бурчак ҳаракати (диагональ) бўйича истаган катакка юра оладиган сипоҳ. [Шайхулислом:]

Э... Э... галат, филлинеизни кўрмабман. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ФИЛАРМОНИЯ** [р<грек] Музыка санъатини пропаганда қилувчи ва концертлар қўйиш иши билан шуғулланувчи муассаса. *Ўзбекистон давлат филармонияси.*

**ФИЛАТЕЛИСТ** [р] Филателия билан шуғулланувчи шахс.

**ФИЛАТЕЛИЯ** [р<грек] Почта маркалари, маркали ва штампли конвертларни коллекция учун йиғиш.

**ФИЛБОН** [ф-т] Фил боқувчи ва филни бошқарувчи киши. *Филбондан ошнани бўлса, дарвозанни катта қил. Мақол.* — *Филбонларнинг ҳайқирғи остида азамат йиғитлар юкни тушуриб, бурунлари ерга теккандай букчайиб ташийдилар.* Ойбек, Навоий.

**ФИЛИАЛ** [р<лат] Бирор йирик корхона, муассаса ёки жамоат ташкилотининг мустақил бўлими. СССР Фанлар академиясининг филиали. Илмий-тадқиқот институтининг филиали.

**ФИЛМОЙ** Қаспий, Орол, Қора денгиз ҳавзаларида яшайдиган, ов қилинадиган осётрсимонлар оиласига мансуб йирик балик.

**ФИЛОГЕНЕЗ** [р<грек] биол. Бутун органик дунёнинг ёки унинг айрим гуруҳларининг (тип, синф, оила, тур ва ш. к.) тарихий тараққиёт процесси.

**ФИЛОЛОГ** [р] Филология олими, мутахассиси.

**ФИЛОЛОГИК** [р филологический] Филологияга оид. *Филологик тўплам.* | Филологик методларга асосланган. *Филологик тадқиқот.*

**ФИЛОЛОГИЯ** [р<грек] Тил ва адабиёт орқали ифодаланган халқ маданиятини ўрганувчи фанларнинг умумий номи. *Ўзбек филологияси. Университетнинг филология факультети.*

**ФИЛОСОФ** [р<грек] Философия олими, мутахассиси; философия билан шуғулланувчи киши; файласуф.

**ФИЛОСОФИК** Философияга оид; фалсафий.

**ФИЛОСОФИЯ** [р<грек] 1 Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; фалсафа. *Антик философия. Марксистик философия.*

2 Бирор фан ёки билим тармоғининг асосини ташкил этувчи унинг назарий, методологик ва ш. к. принциплари. *Математика философияси. Хукуқ философияси.*

**ФИЛЬМ** [р<ингл.] айн. кинофильм. *Овозсиз фильм. Бадий фильм.*

**ФИЛЬМОСКОП** [р<ингл+грек] Кинолентадаги сурат, тасвирларни намойиш қилиш учун ишлатиладиган махсус аппарат.

**ФИЛЬМОТЕКА** [р<ингл+грек] 1 Кинофильмларни тўпловчи ва сақловчи фильмхона.

2 Киноленталар йиғиндиси, киноленталар архиви.

**ФИЛЬТР** [р<лат] 1 Суюқлик ёки газларни ноқерак аралашмалардан тозалаш учун хизмат қиладиган мослама;

сузғич. *Тўр филтр. Противогаз филтри. Винони филтрдан ўтказмоқ.*

2 Маълум частотадаги электр токи, электромагнит, ёруғлик нурлари ёки товуш тўлқинининггина ажратиб ўтказадиган асбоб. *Акустик филтр. Электр филтри.*

**ФИЛЬТРАЦИЯ** [р] 1 Филтрдан ўтказиш, сузиш; филтрлаш.

2 Сувнинг табий ҳолда ғовак қатламлардан сизиб, тозаланиб ўтиши, филтрланиши.

**ФИЛЬТРАМОҚ** Филтрдан ўтказмоқ, сузмақ.

**ФИЛЬТРАМОҚ филтрламоқ** *фл. мажж. н. Лойқа суюқликлар филтрланади.*

**ФИЛГОН** Хайвонларга овқат бўладиган бир турли ўт.

**ФИЛҲАҚИҚАТ** [а] *рвш, эск. кт.* Ҳақиқатан ҳам, чиндан ҳам; дарҳақиқат. *Филҳақиқат, она тилининг асли туганмас олтин конларини ёш Навоийнинг мўъжизали қалами кашф этди.* Ойбек, Навоий.

**ФИЛҲОЛ** [а] *рвш, эск. кт.* Тезлик билан, ҳозирнинг ўзида; дарҳол. *Отаси буюрдики, филҳол анвои лазиз таомлардин тиширғайлар.* А. Қахҳор, Миллатчилар.

**ФИН** қ. финлар. *Фин тили. Фин халқи. Фин аёли.*

**ФИНАЛ** [р<лат] 1 Музыка, драма, опера, балет ва ш. к. ёки адабий асарнинг охири, тугалловчи қисми, хотимаси. *Комедиянинг финали. Операнинг финали. Фильмнинг финали. Поэманинг финали.*

2 Спорт мусобақаларида ғолибни белгилайдиган охириги хал қилувчи ўйин. *Шахмат мусобақасининг финали. Финалда ўйнамоқ.*

**ФИНЖОН** [а<ф-т] *эск.* Дастали пиёла, чинни кружка. *Қим билсин, .. финжонда май эмас, захар бергандир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ФИНИШ** [р<ингл] 1 Югуриш мусобақаларининг ва пойғаларининг охириги хал қилувчи қисми. *Финиш мусобақаларида қатнашмоқ.*

2 Шундай мусобақаларининг охириги пункти; марра. *Финишга биринчи бўлиб етиб келмоқ.*

**ФИНЛАР** Финляндиянинг туб аҳолиси; фин халқи.

**ФИНЧА** 1 Финляндияга, фин халқиға, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Финча уй. Финча қўйиш.*

2 Фин тили. *Сен финча(ни) биласанми? || Финча гапирмоқ.*

**ФИРДАВС** [а] *кт. айн. жаннат* 1, 2. *Худо хайригизни берсин, охиратда фирдавсга сазовор бўлинг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Фирдавс монанд жаннатга ўхшаган, жаннатсимон. Аммо Хўқанд фирдавс монанднинг ўзида ул шақоват пешалар беҳад ва беҳисоб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ФИРИБ** [ф-т] Кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш; алдаш, хийла-найранг. *Ишинг фириб, хийла экан*

сўзларинг, Юзинг қонсиз, ола экан кўзларинг. «Равшан». Унинг чақчайганроқ кўзларида муаллим қандайдир шайтоний фириб ва нафрат сезди-да, илаждан қалтираб девора суянди. Ойбек, Нур қидириб. **Фириб бермоқ** найранг ишлатмоқ, алдаммоқ, қўлга туширмоқ. *Шайтонга фириб беради хийла-найрангда шайтонни ҳам йўлда қолдирадиган, ўтакетган фирибгар. Бу одам .. Сарижўй ханлотларидан энг учига чиққани, шайтонга фириб беради.* С. Айний, Дохунда. **Фириб емоқ** бировга алдаммоқ, алданиб қўлга тушмоқ. *Соддадиллик қилиб фириб еди-ю, қахрамонлик қилиб ўзини оқлади.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

**ФИРИБГАР** [ф-т] Алдамчилик, товламачилик билан шуғулланувчи киши; товламачи, хийлагар. *Фирибгар ёндиради, хиқиқатчи қондиради.* Мақол. — *Оёқ чалар фирибгарнинг Кураши ҳеч равои бўлмас.* Т. Ўлдош.

**ФИРИБГАРЛИК** *фирибгар с. белги оти.* Унинг фирибгарлигини билмас экансиз. *Фирибгарлик қилмоқ.* — *У [Навоий] ўз рубоийларида .. мунофиқлик, ёлгон сўзлаш, данасалик ва фирибгарлик каби хислатларни қаттиқ қоралади.* «Ватан адабиёти».

**ФИРМА** [р<итал] Капиталистик мамлакатларда: ўз маркаси билан товар ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳуқуқиға эга бўлган савдо ёки саноат муассасаси. *Чет эл фирмаларининг вакиллари.*

— [Мирзақаримбой] *капта ўгли Ҳакимбойваччининг пахта савдоси юзасидан ўрси фирмалари билан яқинда тузган шартномаси устида ўйлаб, .. бу ишдан фойда дарёдай тошиб келишигетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | СССРда: саноатда ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмаси, саноатда бошқарувнинг янги прогрессив формаси. *Марғилон атлас фирмаси. «Қизил тонг» фирмаси.*

**ФИРОҚ** [а] 1 Энг яқин, сеvimли кишидан айрилиш; айрилиқ, жудодлик, ҳижрон. *Шу тонг сабо йиғлади Чидолмай бу фироққа. Шу тонг дарё йиғлади Бошин уриб қирғоққа.* Э. Воҳидов. *Онанги фироқ ўтида ёндиришдан уялмадинг, қизим! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Энг яқин, сеvimли кишидан айрилиш азоби; ҳижрон кулфати. *Куйдим кўп фироқингда, Жангда юрган чоғингда.* Т. Тўла. *Қайси дилдор ўз ёрига фироқ, изтиробни раво кўради.* М. Жўра, Изтироб. *Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг .. фироқда куйиб, етиб қолиптилар.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 Инжиқлик, эркалик; тантиқлик. | *Жахл, зарда. Хадича хола фироқ қилиб уйға кириб кетди.* Т. Алимов, Совға. — *Ийе, ҳа, фироғинг кимға, ҳазил ҳам қилиб бўлмайдики, ёки арпангизни хом ўриб қўйдикми ... — деди Шаҳло Зухраға.* Р. Файзий, Дугоналар.

**ФИРУЗ** [а<ф-т] 1 муз. Ўзбек халқ классик куйларидан бирининг номи.

2 Фируз (эркаклар исми).

**ФИРУЗА** [a<ф-т] 1 Бесак буюмлари учун ишлатиладиган, ҳаво ранг-кўкиш рангли, унча тиниқ бўлмаган қимматбаҳо тош. *Фирюза кўзли узук.* — *Фирюза, лаъл, зумрад каби нодир тошлар Шарқда жуда машҳур ва қадри бўлган.* М. Мирбобоев, Қонлар юрти.

2 *кўчма* Мовий, ҳаво ранг. *Фирюза осмон.* — *Кундошлар Салим акани ўртага олиб, гулзор оралаб, катта бир фирюза эшик олдига келиб тўхтадилар.* Ғайратий, Довдираш.

3 Фирюза (хотин-қизлар исми).

**ФИРЪВН** [a] тар. Қадимги Миср подшоҳи.

**ФИРҚА** [a] эск. 1 Гуруҳ, тўда, группа. *Муслмонқул кутмаган жойда қўшинидаги бир туркуми ўз устига ҳужум бошлаб ва бир фирқаси Тошкент йиғитлари томонига қочиб ўтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. *партия* 1. [Усмоножон] *Олтинкўл район фирқа қўмитасига секретарь қилиб тайинланди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Коммунистлар фирқаси қоронғи кечамизни машғал ёқиб ёритди.* Х. Фулом, Машғал.

**ФИРҚАВИЙ** [a] эск. айн. *партиявий.*

**ФИРҚАЛИ** эск. айн. *партияли*

**ФИРҚАСИЗ** эск. айн. *партиясиз.*

**ФИРҚУМ** эск. айн. *партком.*

**ФИСҚ** [a] 1 Бировнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган уйдирма гап; ғийбат, иғво. [Қодирова билан Султонов] *дағволарини исбот қилиш учун далил тополмай, энди фисқ ... тўхмат, иғво йўлига қадам босганлар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ахлоқий бузуқлик, фахш. *Кеча фисқ ўлас, кундўз зулм пеша. Тишу тирноғи қайралган ҳамиша.* Ҳабибий. *Ҳақиқатсўйлар оёқ остида. Мўътабар бўлди фисқу коримиз.* Ҳамза.

**ФИСҚ-ФАСОД** [a] Бирор кимса тўғрисида тарқатилган уйдирма гап; тухмат, бўхтон. *Эртасига Исломхўжа ҳақида уйдирма гаплар, фисқ-фасодлар тўқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Душманларнинг фисқ-фасоди уни [Навоийни] давлат ишларидан воз кечишга мажбур қилди.* М. Осим, Сехрли сўз.

**ФИСҚ-ФАСОДЧИ** Фисқ-фасод тарқатувчи, ғийбатчи; иғвогар.

**ФИСҚ-ФУЖУР** [a], *фисқу фужур* 1 айн. *фисқ-фасод.* *Шербек ўзи ҳақида бир вақт Акрамнинг Нигорага айтган фисқ-фужур гапларини эслаб кинояли жилмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ярамас, гунохли ишлар, ахлоқий бузуқликлар; фахш. *Фисқ-фужур, май ёлғиз Хусайн Бойқаронинг гавдасига эмас, балки бутун маънавий сиймосига ҳам таъсир этган эди.* Ойбек, Навоий. [Қорш:] *Сиздай фариштини кўйиб, фисқ-фужур юрмоқ кўфрони неъмат бўлур эди.* А. Қаххор, Тобутдан товуш.

**ФИТНА** [a] 1 Ғаразли мақсадга эришиш йўлида бировни қоралаш учун қилинадиган яширин хатти-ҳаракат. *Фитна тўқимоқ. Орага фитна солмоқ.*

*Фитна кўзгамоқ.* — *Шу фитнани уюштирган одам Бўтанинг саводсизлигидан, узоқни кўролмаслигидан фойдаланиб, шу ишни қилган.* С. Ахмад, Ҳукм. У [Дарवेश Алл] *Маждиддиннинг Навоийга қарши уюштирган иғво ва фитналаридан ғазабланиб исён кўтаради.* «Ватан адабиёти».

2 Маълум сийёсий мақсадга эришиш учун яширин тил бириктириш йўли билан бирор шахс ёки ташкилотга қарши қилинган ҳаракат. *Фитна уюштирмоқ.*

3 *кам қўлл.* Ғаламислик, иғвогарлик билан шугулланадиган; ғаламис, иғвогар. *Фитна одам.* — *Рамазонқори жуда фитна одамлардан экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. | с. т. Уришқоқ, жанжалқаш. *Ўзингиз биласиз, фитна одамлар кўп.* А. Қаххор, Сароб. || — *Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очикликка не этсин,— деди Иноғомжон.* Мирмухсин, Умид.

**ФИТНАЛИК** *фитна с. мавҳ. от.* *Фитналик қилмоқ.* — *Октябрь ғалаба қозовди, лекин Кўймади разиллар ўз фитналигин.* Ғ. Фулом.

**ФИТНА-ФАСОД** [a] Ғаразли мақсад билан қилинадиган иш, хатти-ҳаракатлар мажмуи. *Ўзинг бир вақт фитна-фасоддан нолиган эдинг.* А. Қаххор, Сароб.

**ФИТНА-ФАСОДЧИ** Фитна-фасод билан шугулланувчи, фитна-фасод қилувчи; ғаламис, иғвогар.

**ФИТНАЧИ** Фитна чиқарувчи; фитна уюштирувчи; фитна иштирокчиси. *Бу газетанинг энг реакцион, энг тескари ва фитначи эканлигини биларди.* Ойбек, Нур қидириб. *Фарғонада мени Азизбекнинг шеригидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли деб танишлари эҳтимолдан йироқ эмасдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ФИТР** [a] дин. 1 Рўзанинг тамом бўлиши; рўза тамом бўлиши билан одатдигча оққатланиш ҳуқуқига эга бўлиш.

2 Рўза охирида камбағалларга, муллаларга бериладиган садақа, эҳсон. *Ҳосилнинг ўндан бир ҳисобида мачитга бериладиган ушур, моҳи рамазонда жон бошига бериладиган фитр, имомга, миробга, сартарошга бериладиган капсан, .. кўйинчи, ҳаммаси ана шу шўрлик чоракорга тегадиган тўртдан бир бўлак устида.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Бир кун мен турган уйга бир ҳазрат [имом] келди. Бу киши ҳар йилги қилиғини қилиб, шаҳар бойларидан фитр садақа йиғмоққа келибдир.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урнишлари. **Фитр(и) рўза** 1) рўза тамом бўлиши билан камбағалларга бериладиган садақа; 2) рўза тутмаган кишиларнинг ўз гуноҳларини ювиш учун мулла, имомга берадиган садақаси. *Аммо мен бўлсам, топган фойдаларимнинг ярмини ҳамиша хайру садақага сарф қиламан: .. имомга фитри рўза берман, халқни қурбонлик ёғишдан зиёрат қиламан .. Буларнинг бари садақа.* Айний, Дохунда.

**ФИҚХ** [a] эск. Дин, шариат қонун-қоидалари ҳақидаги фан, дин ақоидлари; илоҳият. *Суҳбатда Улугбек: «зиҳи, фикҳ масалалари ва ҳоказо устида жонли тортишулар бўлди.* Ойбек, Навоий.

**ФИҒОН** [ф-т] Каттиқ хафа бўлиш. алам чекиш туфайли юз берадиган йиғи-сиғи; нола, фарёд. *Аёлларнинг азс тутгандаги қий-чуви, .. фиғонлари эшитлиб турадиган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Талвасада Паризод, Чекар эди фиғон, дод.* Ҳ. Олимжон. **Фиғони фалакка** (ёки *кўкка, осмонга*) *чиқди* хаддан ташқари хафа бўлди, тутоқиб кетди. *Инобатнинг фиғони фалакка чиқди.* Ж. Шарипов, Саодат.

**ФЛАҒМАН** [р<ғолл] Йирик ҳарбий кемалар қўшилмасининг командири ва унинг қароргоҳи бўлган кема (кемада командир ўз байрогини кўтариш ҳуқуқига эга).

**ФЛАҒШТОҚ** [р<ғолл] Байроқ ўрнатиладиган узун, тик хода.

**ФЛАКОН** [р<фр] Шиша идиш (асосан атир, одекон, вино учун). *Гладстон қалтироқ қўйлар билан кичкина флакондан қилматбаҳо вино қуйиб, чолга узатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ФЛАНГ** [р<фр] Кўшин сафининг ўнг ёки сўл томони, ён томони, қаноти.

**ФЛЕЙТА** [р<итал] Ёғочдан ясалган, найсмон, пуфлаб чалинадиган музика асбоби.

**ФЛЕЙТАЧИ** Флейта чалувчи.

**ФЛЕКСИЯ** [р<лат] лингв. Грамматикада: сўзларнинг тугалланмаларини ўзгартиш йўли билан сўз формалари яшаш; сўзнинг турланиши, тусланиши ва х. к.даги ўзгарувчи қисми; тугалланма. *Ички (ёки негиз) флексияси* грамматик формалар яшашда сўз ўзағидаги товушларнинг ўзгариши; шундай ўзгаришга учраган товуш ёки товушлар.

**ФЛЕКТИВ** [р флективный] лингв. Флексияга оид. **Флектив тиллар** сўз формалари флексия йўли билан ясаладиган тиллар.

**ФЛЁРА** [р<лат] Ер қуррасининг бирор қисми ёки бирор геологик даврнинг барча ўсимликлари мажмуи; ўсимликлар дунёси. *Ўзбекистон флораси. Денгиз флораси.*

**ФЛОТ** [р<нем] 1 Муаяян бир вазифа бажарадиган ёки маълум бир соҳага оид кемалар мажмуи. *Ҳарбий-денгиз флоти. Балиқ оёлаш флоти.* — *Ҳозирги замон ҳарбий-денгиз флотида тарих ҳеч қачон кўрмаган техникавий революция ясалди.* А. Сорокин, Атом сув ости кемалари.

2 Ҳарбий-денгиз кемаларининг катта қўшилмаси.

◆ **Ҳаво флоти** мамлакатнинг ҳарбий-денгиз қуроли кучлари ва граждана авиацияси.

**ФЛОТИЛИЯ** [р<фр] 1 Дарё ва кўларда баъзан эса ёпиқ денгизда хизмат қиладиган ҳарбий кемалар қўшилмаси.

Амур флотилияси. Каспий флотилияси.

2 Кемалар отряди. Кит овловчи флотилия.

**ФЛОТЧИ** Флотда, денгизда хизмат қилувчи.

**ФЛЯГА** [р<нем] 1 Елкага ёки камарга осиб юриладиган япалоқ сувдон. *Кўмакдоши флягасидан унга сув ичирди.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

2 Одатда суюқ нарсалар солиб олиб юриш учун ишлатиладиган бандли катта идиш. *Сут қуйиладиган фляга.*

**ФОЖИА** [а] 1 Аянчли, мудҳиш воқеа, фалокат. 1920 йилнинг бошида Қорақалпоғистоннинг бу кичкина балиқчи овулида даҳшатли *фожиа* юз берди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Йўлчининг шу вақтгача қайтмаганига улар таъшишлансалар ҳам, *фожиадан хабарлари йўқ эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 эск. айн. трагедия 1.

**ФОЖИАЛИ** Аянчли, мусибатли, қайғули. Қахрамон қизнинг *фожиали* ўлимини эшитганлар ҳаммаси қайғуриб йиғладилар. Ж. Шарипов, Хоразм. Шунда мен кеча беихтиёр қилган номангунлишимнинг қанчалик *фожиали* эканини биратўла англадим. А. Мухтор, Туғилиш.

**ФОЖИОНА** [а+ф-т] рвш, кт. *Фожиали*, аянчли равишда; мудҳишларча. *Фожиона* ҳалок бўлмоқ. || *Фожиона* ҳодиса. — Уруш ўзининг *фожиона* изини қолдирмаган оила бизнинг мамлакатимизда камдан-кам учрайди, деса бўлади. «С. Ўзбекистон», 1965, 9 май.

**ФОЖИР** [а] эск. кт. Ёмон йўлга юривчи, зино қилувчи; ахлоқсиз, бузуқ. «*Айбисиз*» деганинг жаноби олий — *фосиқ*, *фожир*, халқнинг молини уриб олиб егувчи бир золим; қонхўр бир жалаод. Айний, Жаллодлар.

**ФОЖИЪ** [а] айн. *фаже*. Бу воқеа мени ё ўта бахтиёрликка ёки *фожиъ* бир фалокатга олиб борар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ФОЗИЛ** [а] 1 Фан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим. — *Агар у ишга сен айтгандек оқилу фозил бўлса, бир қизим эмас, ўн қизим бўлса беришга тайёрман*, — дебди чол. Т. Жалолов, Олтин қафас. *Гўзал Зарафшон водийси* қадим замонлардан бери ўзининг шоир ва фозиллари билан машхур. С. Азимов, Отоқли ўзбек совет шоири. || *Навоий уларни [тарихий маълумотларни] ўз даврининг эътиборли манбаларидан .. ва фозил кишилар ёрдамида аниқлаган.* А. Қаюмов, Самарқанд тарихи тўғрисида.

2 Фозил (эрақлар исми).

**ФОЗИЛА** [а] 1 Илм-фан асосларини яхши эгаллаган аёл; олима. *Биз софдил, оқила, халқпарвар, фозила президенти* билан фахрланамиз! Х. Гулом. Сиз коммунизм қураёсиз.

2 Фозила (хотин-қизлар исми).

**ФОИЗ** [а] эск. айн. процент. *Корхонамиздаги хизматчиларнинг элик фоиизи* — хотин-қизлар. — Раҳмон, Йўлчи га ўхшаган дағдасалар бўлмаса, азда-

ройи худо, планни юз фоииз қилиб бажарамиз-а! К. Яшин, Тор-мор. Юз фоииз тўла-тўқис; бутунлай, бошдан-оёқ. *Гапингиз юз фоииз тўғри.* — Мулла Обид қишлоқларнинг кейинги шартларига икки юз фоииз жавоб бера билади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ФОЙДА** [а] 1 Бирор кимса ёки нарса учун бўладиган наф, манфаат. *Ўқшнинг фойдаси кўп.* Ёлгон айтиб *фойда кўрсанг*, охири зарар толарсан. Мақол. — [Мирзакаримбой:] *Мана, банка деган сўз чиқди. Кўрдик, фойдаси, манфаати жуда зўр.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Зокир ётиги билан ҳар қанча гапирса ҳам, фойдаси йўқлигини сезди.* П. Қодиоров, Уч илдиш. | *Ижобий натижа, эф-фект. Дорининг фойдаси. Ўғтининг фойдаси.* — Айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, зўр *фойда* келтиришини алоҳида таъкидлади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Харжга нисбатан ортиқча даромаднинг фарқидан ташкил топган сумма, маблағ; даромад. *Қамишқапаликлар Зокирхўжа қасос тўғрисида гап борса ҳар бир сўйилган қўйдан икки ҳисса фойда кўрмаса, ўзини чангакка осадил, деб таърифлар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менимча, тижорат пайдо бўлган замондан бошлаб, бундай мўл фойдани ҳеч ким кўрган эмас.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Фойда қилмоқ* 1) ижобий натижа бермоқ, ўзининг фойдаланишнинг кўрсатмоқ. *Дори фойда қилади.* — *Халқ жуда кўп ишларни пахтадоғ билан доволайди. Агар бу иши газак иши бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рақ иши бўлса, авж олдирлади.* А. Қаххор, Кўшчинор; 2) бирор нарсдан иқтисодий манфаат топмоқ, даромад олмақ. *Паррандачиликдан - колхоз катта фойда қилади.*

3 Қарзга берилган пулдан фойдаланганлиги учун қарздордан қарз берувчи (кредитор) оладиган қўшимча пул, ҳақ. *Қарзини узанман, қарат фойдаси қолган.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ФОЙДАЛАНИЛМОҚ** *фойдаланмоқ* фл. мажх. н. *Уй жуда совуқ бўлса ҳам, танчага ўтирмади, ҳеч вақт фойдаланилмайдиган, .. катта каравотга ўзини ташлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ФОЙДАЛАНМОҚ** Бирор нарса ёки имкониятдан баҳраманд бўлмоқ, уни ўз талаб ва эҳтиёжи учун ишлатмоқ. *Газдан фойдаланмоқ. Қитобдан фойдаланмоқ. Лугатдан фойдаланмоқ.* — *Бунинг учун .. энг муҳими машиналардан, электрдан фойдаланиб, кучни, вақтни тежаш лозим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Пайтдан фойдаланмоқ* фурсатни қўлдан бермай дарров бирор иш-ҳаракатни амалга оширмоқ. *Миркомил пайтдан фойдаланиб, ўзини дарвозадан боққа отди.* Х. Гулом, Машғал.

**ФОЙДАЛАНТИРМОҚ** *фойдаланмоқ* фл. орт. н.

**ФОЙДАЛИ** 1 Фойда, наф келтирадиган. *Фойдали қазилмалар. Фойдали меҳнат.* *Пахта терши машинаси беқийс фойдали экани амалда исботланди.*

— *Кредит, процент, завод, компания .. ҳаммаси нуқул фойдали нарсалар.* Ойбек, Қутлуғ қон. || [Василий болаарга:] *Майли, ечинлар, ҳозир офтоб фойдали.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Маънавий манфаати бор; нафи тегадиган. *Фойдали гап. Фойдали фикр.* — *У колхозчиларга ота бўлди, ғамхўрлик қилди, иш ўргатди.* Уларнинг *фойдали* маслаҳатларини тингладилар. Ойдин, Мардлик — мангулик. *Ҳамдамформанинг сўзига кўра, унинг фаол бир колхозчи бўлишига Нормуроднинг аччиқ, лекин тўғри ва фойдали сўзлари сабаб бўлган эмиш.* Айний, Қуллар.

**ФОЙДАСИЗ** 1 Фойда ёки даромад келтирмайдиган, бефойда. *Фойдасиз меҳнат.* — *Офтоб ойим бўғилиб, фойдасиз тортишиб ўтиришни тарк қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Манфаати йўқ, нафи тегмайдиган. *Фойдасиз гап.* — *Зеро, ўзининг бу ўтинчини қуш уган сўнг оғилмоқчи бўлган соқон қабилидан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ФОЙДАХҲҲР** [а+ф-т] 1 Бирор нарсани фойдасига соғиш билан шуғулланувчи ва шу ҳисобга яшовчи киши. 2 айн. судхўр. *Фойдахўрнинг моли шундай кўпайди, Бойлар олган юртинг балан-настини.* «Фольклор».

**ФОЙЕ** [р<фр] Театр, кино ва ш. к.да танаффуз, антракт вақтларида томошабинлар дам оладиган ёки томоша бошланишини кутадиган махсус хона. *Театр фойеси.*

**ФОЙТУН** [р фазтон] с. т. Файтон. *Бир оз юрган эдикки, .. бир киши фойтунимизни тўхтади.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. *Бир кун фойтунда уйга қайтаётганимда қаршимдан Муаззам чиқиб қолди.* Л. Эргашев, Вафодор.

**ФОЙТУНЧИ** с. т. Файтончи. *Аллонхўжа .. отбоқару, фойтунчиларни текинтомоқ, ялқовлар, деб сўйиб, жувозга қувди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ФОКСТРОТ** [р<ингл] Майда қадам билан оёқни судраб босиб ижро этиладиган тўрт қисмли танца ва шу танцанинг музикаси.

**ФОКУС** I [р<лат] 1 физ. Синган ёки акс этган параллел нурларнинг узаро кесишган ёхуд тўпланган нуқтаси. *Линза фокуси. Ботик кўзеу фокуси.*

— *Ҳар бир планета эллипс бўйлаб ҳаракат қилади ва бу эллипснинг фокусларидан бирида Қуёш туради.* «Астрономия».

2 Фотографияда сурати олинаётган нарса энг аниқ ва равшан кўрннадиган нуқта. *Фокус масофаси. Фокусини тўғриламақ. Фокусда турмоқ. Фокуса алмоқ.*

**ФЎҚУС** II [р<нем] с. т. Кўз илғам қоладиган чаққонлик, мохирлик билан қилинадиган хийла; найранг-бозлик, кўзбойловчилик. — [Муңира:] *Биринчи курсликларнинг номини кў-*



тариш учун битта фокус кўрсатасиз концертда. Ф. Мусаёнов, Лофчи.

**ФОКУСЧИ** 1 Фокус кўрсатувчи артист. Фокусчи артист. — [Мунира:] Бекитмай қўя қолинг. Сизнинг уста фокусчи эканлигинингизни ҳамма билади. Ф. Мусаёнов, Лофчи.

2 кўчма Хар хил найрангбозликлар кўрсатувчи шахс; ҳийлагар.

**ФОЛ** [a] 1 Бирор нарсага (мас. қўл, китоб, майда тош, карта, ойна) қараб киши билишга қизиққан нарса ёки ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб бериш, сохта башорат. Бурунчиларнинг: «Қочиб қолгунча отиб қол, фолга ишонма, фолсиз юрма!» — деганларидай .. фол кўрсатган эдим. «Эртақлар». Бир тангани кўриб димоғи чоғ бўлиб, оғзини қимирлатиб, олдидаги фол ёғочини қўлига олиб, суф-куф деб дам солиб, китобнига устига ташлабди. «Эртақлар». Фол очмоқ (ёки боқмоқ, кўрмоқ) киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан «билмоқ», айтиб бермоқ. Узоқ варақлаб ўтирибди-да, сўнгера отасининг китобга қараб фол очиши эсига тушди. А. Қаҳҳор, Сароб. Одамлар уни [Аҳмад маҳдумни] «мунажжим», яъни юлдузлар юзидан фол кўрайдиган деб билардилар. Айний, Эсдалиқлар. Фол очирмоқ (ёки боқтирмоқ, кўрсатмоқ) ўзи қизиққан номаълум воқеа, ҳодисани, мас. бирор кимса ёки нарса тақдирини билиш учун фолбинга мурожаат қилмоқ.

2 кўчма Бирор нарса ҳақидаги тахмин; чама, фараз. Ҳақиқатан, бирон ой ўтмасдан, Уринбой отанинг фоли тамоман тасдиқланди. Ойбек, Қуёш қораймас. Бош тарафдан ўттизлаб саҳифа текширилган эдики, Султонанининг фоли ҳақиқатга ошиб, саҳифа орасига букловсиз қўйилган бир хат китоб четига .. чиқди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 кўчма Бирор иш ёки хатти-ҳаракатнинг қандай тугалланганини кўрсатувчи белги, нишона. [Кулмуҳаммад:] Бугун тонг билан Жалолиддинни ҳибсга олибдилар. [Гули:] Ё раббий! Бу ёмон фол. Уйғун ва Й. Султон, Навоий. Айниқса мулла Абдураҳмон хануз Раънонинг эрга берилмаганлиги хабарини эшитгач, бу тасодифни истиқболнинг хайрлик фоллари сирасига киритди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ФОЛБИН** [a+ф-т] Фол очувчи шахс. Фолбин бу тугунчаки Гулдорнинг остонасига кўмиш кераклигини уқтирди. Ойбек, Қутлуғ қон. || Маҳалламиздаги кампирларнинг гапига кириб, бир фолбин хотинга оймни кўчириқ қилдирдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришилари.

**ФОЛБИНЛИК** фолбин с. касб оти. Фолбинлик қилмоқ 1) фол очиш билан шуғулланмоқ; 2) бирор нарса тўғрисида тахминий мулоҳаза юритмоқ; тахмин, фараз қилмоқ. Даштади қизлар Адолатнинг авзойини кўриб, кечаси би-

лан фолбинлик қилиб чиқдилар. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ФОЛЧИ** айн. фолбин. Бундай қараса, регистонда фолчилар фол кўриб, одамларни уймалатиб ўтирибди. «Эртақлар».

**ФОЛЬКЛОР** [р<ингл] Халқ оғзакни ижоди. Ўзбек фольклори. Фольклор намуналарини тўплаш.

**ФОЛЬКЛОРИСТ** [р] Фольклористика соҳасининг мутахассиси; фольклорни ўрганувчи шахс. Н. Ғаниев муҳир адиб ва фольклорист ҳам эди. А. Иброҳимов, Ўзбек киносининг қалдирғочи.

**ФОЛЬКЛОРИСТИКА** [р] Фольклорни ўрганувчи фан. Рус фольклористикаси. Ўзбек фольклористикаси.

**ФОЛЬКЛОРИСТИКА** с. т. Фольклорист.

**ФОН** I [р<фр] 1 Тасвирий санъат асарларида: сурат солинадиган нарсанинг сурат бўёқларидан ажратиб турадиган ранги, туси, тағ ранги. Оқ фонга солинган қизил суллар. | Гулдор, рангдор нарсанинг туб ранги; тағ. Осмон фонда олинган сурат. — Бу пардоздаги нақш шакллари аниқ белгиланган восита қирралардан фонга тушган соя бўлади. П. Зоҳидов, Уста Ширин. | Кўзга ташланиб турган кимса ёки нарса орқасидаги кўриниш, манзара. Бу уй ҳайвонининг расми яшил ўтлар фонда қизил бўёқ билан ишланган. А. Абдуллаев, Ҳиндистон болаларининг расмлар виставкаси.

2 кўчма Умумий шароит, вазият, муҳит. Ҳамза Ҳакимзода Нийёзий тарихий шахс сифатида .. ўзбек маданиятининг ривожланиш тарихи фонда кўрсатилади. «К. Ўзбекистон», 1960, № 29.

**ФОН** II [р<грек] Товуш баландлиги даражаси бирлиги.

**ФОНАРЬ** [р] Ёритиш нуқтаси — ўтиши билан ўралган чироқ. Чўнтақ фонари. — Фонарь яна тутай бошлади, керосини тугаб қолган эди. Й. Муҳимов, Олов ва ниҳоллар. Катта электр фонари тагида ғужон ўйнаётган одамлар орасидан ўтиб, булар ҳам боққа кириб кетди. Ойдин, Фонарь тагида. Фонарь ёғи эск. айн. керосин. | с. т. Фonus. [Тантубойвачча] извош фонарининг хира ёрғунда таниши юзни учратди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ФОНД** [р<лат] 1 Давлат, муассаса ва ш. к.нинг бирор мақсад учун ажратилган пули, маблағи. Валюта фонди. Иш ҳақи фонди. Колхознинг бўлинмас фонди. — Фондимизда бир юз минг сўм пул бор. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. | Бирор кимса ёки нарса фойдасига йиғилган пул, маблағ. Узаро ёрдам фонди.

2 Ғамлаб, эҳтиётлаб қўйилган ёки мавжуд нарса, запас, бойлик. Колхознинг уруғлик фонди. Музей фонди. Китоб фонди. Тилнинг луғат фонди.

3 Ижодий союزلарнинг аъзоларига (архитектор, рассом, ёзувчи ва ш. к.) моддий ёрдам берадиган муассаса, ташкилот. Архитекторлар фонди.

**ФОНЕМА** [р<грек] лингв. Бирор тилда ёки диалектда сўз ёки морфемаларнинг маъно фарқини белгиловчи нутқ товуши.

**ФОНЕМАТИК** [р фонематический] лингв. Фонемага оид. Тилнинг фонематик состави.

**ФОНЕТИК** [р фонетический] 1 Фонетикага оид. Фонетик қонунлар. Тилнинг фонетик системаси. Фонетик транскрипция.

2 Тилдаги товушларга оид.

**ФОНЕТИКА** [р<грек] лингв. 1 Тилшуносликнинг тилнинг товуш составини ўрганадиган бўлими. Умумий фонетика. Тарихий фонетика.

2 Тилнинг товуш состави. Ўзбек тили фонетикаси.

**ФОНЕТИСТ** [р] Фонетика фанининг мутахассиси.

**ФОНИЙ** [a] эск. кт. Тез ўтиб кетадиган; ўткинчи, омонат. Бу фоний дунёда оч ўлди нима-ю, тўқ ўлди нима? Н. Сафаров, Шарқ тонги. Уста ёр ва жаҳаннам азобини фоний дунёда бир мартаба бўйнича олиб қўйгани учун унча тап тортмади. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

**ФОНОГРАММА** [р<грек] махс. Пластинка, лента, плёнка ва ш. к.га ёзиб олинган товуш. График фонограмма.

**ФОНОГРАФ** [р<грек] махс. Товуш (музыка, ашула, нутқ ва ш. к.)ни ёзиб оладиган ва қайта эшиттирадиган аппарат.

**ФОНОГРАФИК** [р фонографический] Фонографта, товушини ёзиб олиш ва қайта эшиттиришга оид. Фонографик плёнка. Фонографик материаллар.

**ФОНОЛОГИК** [р фонологический] Фонологияга оид. Фонологик система. Фонологик текшириш.

**ФОНОЛОГИЯ** [р<грек] лингв. 1 Фонетиканинг фонемалар системасини ва уларнинг ўзгаришини ўрганувчи бўлими.

2 Тилдаги фонемалар системаси.

**ФОНОМЕТР** [р<грек] Товушнинг тебраниш кучи даражасини ўлчайдиган асбоб.

**ФОНТАН** [р<итал] 1 Кучли босим ёрдамида трубадан юқорига қараб отилиб чиқиб турадиган сув; фаввора. | Сувнинг шундай отилиб чиқиб туришини таъминлайдиган махсус қурилма, иншоот. Алижон зинапоядан настига тушиб, фонтан четига ўтирди. Мирмуҳсин, Чинқиш.

2 Ўз босими таъсири остида ер остидан отилиб чиқиб турган сув, нефть, газ ва ш. к. Қайнаб чиқар булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка. Ё. Мирза.

**ФОНУС** [a<грек] Одатда қўлда кўтариб юриладиган (ичига чироқ ёки шам қўйиладиган) ёки бирор жойга ўрнатиладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинган чироқ. Хар маҳаллага биттадан шахар дуоманаси ўтказган хира фонусларнинг ичида еттинчи пилликли керосин лампа ёнар эди. Ғ. Ғуллом, Шум бола. Бир чол ичкаридан чы-



қиб, қўлидаги фонусни боши баравар кўтарди. М. Осим, Утрор.

**ФОРИНТ** Венгрия Халқ Республикасининг пул бирлиги.

**ФОРИҒ** [а] *эск. кт.* Бирор иш-ҳаракатдан холилик, бўшаш, қутилиш. [Мулла Абдусалом] дарс ўқишдан фориғ бўлган соатларида, ўз хужрасида дарсгўйлик ҳам қиларди. Айний, Эсдалиқлар. — Сен албатта касалдан фориғ бўласан — яна бундан ҳам кучли ва жасоратли бўласан, — деди врач Пўлатга. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Қатра май гадолардин, соқие, дарғи этма, Ақлдин қилиб фориғ, мастлиғда султон қил. Увайсий.

**ФОРИҒБОЛ** [а+ф-т] *эск. кт.* Ташвишдан холи, озод; хотиржам, осойишта; хузур-ҳаловатли. || *Фориғбол яшамок.*

**ФОРМА** [р<лат] 1 Предметнинг ташқи кўриниши, тахлити, шакли. Турли формадаги тошлар. Квадрат формадаги бино.

2 Бирор нарсанинг қурилиши ёки тузилиши тури, типи. Давлатнинг бошқариш формаси. — Пролетариат диктатураси пролетариат синфий курашининг янги формаларда давом эттирилишидир. В. И. Ленин, Пролетариат диктатураси тўғрисида. Партия ўз фаолиятида нолегал ва легал кураш ва иш формаларини бирга қўшиб олиб бориши намуналарини кўрсатди. «КПСС тарихи».

3 Маълум кўриниш, тур. Ревматизмининг оғир формаси. Гриппнинг енгил формаси.

4 Бирор нарсанинг белгиланган нусхаси. Протокол формаси. Справка формаси.

5 Ички мазмунини ифодаламайдиган, ҳатто ички моҳиятига зид бўлган юзаки кўриниш, қиёфа. Форма учунгина қилинган иш.

6 Маълум категориядаги кишилар учун мўлжалланган ранги, тикилиши ва бошқа белгилари жиҳатидан бир хил кийим. Ҳарбий форма. Мактаб формаси. Милиция формаси. — Пўлатжон учувчи формасида тушган суратини ҳам юборибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Улар [курсантлар] кетгач, ўрнига энди сафарбар этилган кишилар келди. Булар шу ерга келиб форма кийдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

7 *айн. шакл* 5. Форма ва мазмунининг ажралмас бирлиги.

8 *линг.* Гап ва сўзларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда грамматик категорияларнинг ташқи ифодаланиш воситаси. Сўзнинг ўзак формаси. Феълнинг ноаниқ формаси.

**ФОРМАЛ** [р формальный] Куруқ, юзаки формага асосланган, нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқий ҳолатига зид бўлган. Формал ҳуқуқ. Масалага формал муносабатда бўлмоқ.

**ФОРМАЛИ** 1 Махсус формада тикилган кийим кийган, форма кийган. Формали ўқувчи. Формали курсант. — Қадимдан одамлари на шаҳар ва на

поезд кўрган бу чет қишлоққа шаҳардан чиққан ҳар бир янги формали одам Гулсумда бениҳоя қувонч уйғотарди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Маълум формада тикилган. Формали кийим.

**ФОРМАЛИЗМ** [р] 1 Бирор ишнинг моҳиятга зид равишда, унинг ташқи томонига кўпроқ эътибор бериш; расмиятчилик. Илғор танқаткорлар ҳеч қачон .. формализм йўлига тушмаганлар. Ш. Рашидов, Социалистик реализмнинг қудратли манбалари.

2 Логика, санъатшунослик ва ш. к. фанларда гоёвий мазмунга футур етказиб, шаклга, формага ортқ аҳамият берувчи идеалистика оқим. | Буржуа санъати ва адабиётида мазмунни шаклдан ажратиб, шаклга ёки унинг айрим элементига асосий ўрин беришга қаратилган оқим.

**ФОРМАЛИЗМ** [р] Дезинфекция қилиш учун ишлатиладиган ўткир хидли дори. Формалин эритмаси. Чигитни формалин билан дорилamoқ.

**ФОРМАЛИНЛАМОҚ** Формалин билан дезинфекция қилмоқ, дорилamoқ. Экиш олдидан чигитни формалинламоқ.

**ФОРМАЛИНЛАНМОҚ** формалинламоқ *фл. мажх. н.*

**ФОРМАЛИСТ** [р] 1 Бирор ишда расмиятчиликка йўл қўювчи шахс; расмиятчи, расмиятпараст.

2 Формализм (қ. формализм 2) тарафдори.

**ФОРМАЛИСТИК** [р формалистический] 1 Расмиятчиликдан иборат. Ишга формалистик муносабатда бўлиш.

2 Формализм (қ. формализм 2) принципларига асосланган. Формалистик асар.

**ФОРМАЛИСТЛАРЧА** *рви* Формалистларга хос ҳолда, расмиятпарастларча. Ишга формалистларча қарамoқ.

**ФОРМАСИЗ** Маълум форма, шаклга эга бўлмаган, шаклсиз. Формасиз муз парчаси.

**ФОРМАТ** [р<лат] Китоб, дафтар, варақ, карточка ва ш. к.нинг катта-кичиклиги, размери. Қоғоз формати. Катта форматга эга бўлган китоб.

**ФОРМАТЛИ** Муайян форматга эга бўлган. Кичик форматли китоб. Катта форматли карточка.

**ФОРМАЦИЯ** [р<лат] 1 Кишилик жамиятнинг муайян иқтисодий тузум ва унга мувофиқ келадиган устқурма билан характерланган тарихий тараққиёт босқичлари. Ижтимоий-иқтисодий формация ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум системаси билан характерланадиган тарихий тараққиётнинг бирор босқичи ёки даврнидаги кишилик жамияти. Қулдорлик формацияси. Феодализм формацияси. Капиталистик формация. Коммунистик формация. — .. империализм тўғрисида мулоҳазалар «умумий» бўлса, ижтимоий ва иқтисодий формацияларнинг асосий фарқи унутилади ёки орқага сурив

лади. В. И. Ленин, Империализм — капитализмнинг юқори босқичи.

2 *геол.* Бир вақтда бир хил усулда пайдо бўлган геологик чўкиндилар ва тоғ жинслари йиғиндиси.

**ФОРМОВКА** [р] *тех.* Бирор нарса ясаш учун тайёрланган қолип. Формовка цехи. Формовка машинаси.

**ФОРМОВКАЧИ** *тех.* Формовка мутахассиси; формовка цехида ишловчи ишчи.

**ФОРМУЛА** [р<лат] 1 Қонун-қоида, идея ва ш. к.нинг қисқа ва аниқ умумий таърифи, ифодаси.

2 Математик муносабатларнинг шартли белгилар орқали ёзилган ифодаси. Алгебраик формула. — Йўлдош қўлида тайёр тутиб турган ён дафтарчасини Элмуроднинг олдига қўйиб, ундаги формулани бир чеккадан уқтира бошлади. Шухрат, Шинелли йиллар. | Моддалар составининг химиявий белги ва коэффициентлар орқали ёзилган ифодаси. Кислород формуласи. Сувнинг формуласи.

**ФОРМУЛИРОВАКА** [р] Бирор фикрнинг қисқа ва аниқ ифодаси. Теореманинг формулировкаси. — У ҳозирги Шарқ тарихидан жуда зерикарли лекция ўқирди. Гапи сийқа ибораларга, қуруқ формулировкаларга .. тўла. П. Қодиров, Уч илди.

**ФОРМУЛЯР** [р<лат] 1 Бирор ишшоот, механизм ва ш. к.нинг иши, уларнинг бузилиши, ремонти каби маълумотлар батартиб ёзиб бориладиган махсус дафтар ёки варақа.

2 Кутубхоналарда ҳар бир китоб ичига солиб қўйиладиган ва шу китоб ҳақидаги маълумотлар ёзилган учёт карточкаси.

**ФОРПОСТ** [р<нем] 1 Ҳарб. Қисмни химоя қилиб турувчи илғор отряд, шунингдек чегарада мустаҳкам ўрнашиб олган соқчи қисм.

2 *кўчма кт.* Бирор нарсанинг илғор, олдинги қисми; авангард. Бизда минглаб коммунистик меҳнат коллективлари коммунизм форпостлари бор. «К. Ўзбекистон», 1963, 19 июнь.

**ФОРС** қ. форслар. Форс тили. Форс қизи. — У араб, форс тилларини яхши эгаллаган. Ойбек, Навоий.

**ФОРСИҒҮЙ** [ф-т] Форс тилида ижод қиладиган. Форсиғўй ёзуви. — Соҳиб Доро замонанинг кўзга кўринган форсиғўй шоирларидан бўлиб, ёш қаламкашларни ўз маслаҳатлари билан баҳраманд қилиб турарди. М. Осим, Сехрли сўз.

**ФОРСИЙ** Форс тилида айтилган ёки ёзилган; форсча. Яна ўша арабий ва форсий иборалар тўла биз тушунмайдиган машаққатли ўқишга шўнғиб кетдик. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ФОРСИХОН** [ф-т] Форс тилида ёзилган асарларни ўқийдиган, унга тушуннадиган (киши). Анвар ўн беш ёшида .. яхшигина форсixon ва бир даража араб тилига ошна эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ФОРСЛАР** Эроннинг асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.  
**ФОРСУНКА** [p<ингл] тех. Сууқ ёқилгини дам билан пуркаб чиқариб берадиган мослама. | Сууқ ёки кукун ҳолидаги моддани пуркаб сочувчи мослама.

**ФОРСЧА** айн. форсий. Форсча-русча луғат. Форсча сўзлашмоқ.

**ФОРТЕПЬЯНО** [p<итал] Бармоқ билан босиб чалинадиган клавишли, торли музыка асбоби (рояль ва пианино фортепьянонинг ҳозирги вақтдаги туридир). *Фортепьяно чалмоқ.*

**ФОРТОЧКА** [p] Уйни шамоллатиш мақсадида деразага ўрнатиладиган кичкина дарча.

**ФОРУМ** [p<лат] 1 тар. Қадимги Римда халқ йиғинлари, суд ва бошқа тadbирлар ўтказиладиган майдон.

2 Кенг ваколатли катта йиғилиш, съезд. *Бутун дунё ёшлар форуми. Журналистлар форуми.*

**ФОСГЕН** [p<грек] хим. Нафас олиш органларини зарарланттирувчи, рангсиз, чириган пичан исли, захарли газ.

**ФОСИД** [a] эск. кт. Ёмонлик қиладиган; ёмон; бузуқ, ярамас. *Фосид хаёл.* — *Агар улар [руслар] мухтор вақилнинг бу фосид мақсадини анеласалар, албатта, йўл қўймайдилар, лекин у бу ишларни улардан яширин қилаёттир.* Айний, Дохунда. *Бериб фатво «уришинлар» демай қози калон ўлсин, Ҳамани йўлдин оздирган ўшал фосид хаёл ўлсин.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ФОСИҚ** [a] эск. кт. Ёмон, туноҳли ишлар билан шуғулланувчи, ёмон йўлга юрувчи; ахлоқсиз. *Фосиқдан хаё тилама, золимдан — вафо.* Мақол. — *Зулмат ва эрксизликнинг сояси фосиқ Олимхон истибдодига абадий хотима берилди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. [Қори:] *Нусратилло фосиқ эканлиги устизга порани қилдек сугуриб, иликдек ютмоғи махфий эмас.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**ФОСФАТ** [p<грек] хим. Фосфор кислотасининг тузи (асосан ўғит сифатида, шунингдек медицина ва техникада ишлатилади). Кальций *фосфати.*

**ФОСФАТЛИ** Фосфатга оид. | Таркибида фосфати бўлган. *Фосфатли шлак.*

**ФОСФОР** [p<грек] Баъзи минераллар, хайвон суяқлари, хайвон ва ўсимлик тўқималарида бўладиган ёнۇвчан, оқ тури эса, қоронғида нурланиб, ялтираб турадиган химиявий элемент. *Қизил фосфор.*

**ФОСФОРИТ** [p] Таркибида фосфат кўп бўлган асосан ўғит сифатида ишлатиладиган тоғ жисми.

**ФОСФОРЛИ** Таркибида фосфор бўлган. *Фосфорли туз. Фосфорли руда.* | Фосфор аралашган. *Фосфорли ўғитлар.*

**ФОТИҲ** [a] Бирор шаҳар, давлат, мамлакатни урушиб қўлга киритган, забт этган, ғолиб; жаҳонгир. *Гоҳо ёт ерлардан «мен-менчи шоҳлар Лашкар тортиб келди дағдаға бирла, Йўларда ётарди кўп беғуноҳлар, Фотиҳлар излари босон қабрлар. Шайхзода.*

**ФОТИҲА** [a] 1 дин. Қуръоннинг биринчи сураси, бошланғичи.

2 Қимса ёки унинг руҳига эзгулик тилаб айтиладиган дуо, олқиш. *Чоллар Қудратга тани-жони соғлик, ишига барака тилаб, фотиҳага қўл кўтардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мирзакаримбой хаяжонли, *тироқ товуш билан қизига фотиҳа бериб, соқолини силади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Фотиҳа ўқимоқ** 1) қуръоннинг қисқа сураларидан бирини ўқиб, марҳумнинг руҳи ёки бошқалар учун худодан эзгулик тиламоқ. *Мирзакаримбой қўллари билан соқолини енгилгина сийпаб, марҳумга фотиҳа ўқиган бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) қўл очиб ва уни юзларига торган ҳолда, ўзи ёки бошқалар учун эзгулик, тинчлик, саломатлик тиламоқ, дуо қилмоқ. *Ошдан сўнг уста Олим шундай фотиҳа ўқиди: — Душманларингизнинг йўқ бўлганлари чин бўлсин, севганингиз билан энди масъуд яшанг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Фотиҳа қилмоқ** с. т. фотиҳа ўқимоқ.

3 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга киришаётган кишига омад, бахт тилаган ҳолда бериладиган руҳсат, ижозат. *Фотиҳа бермоқ. Фотиҳа олмоқ.*

— *Олимхон аканинг олдида сўз бердим. Ота ризоси — фотиҳа билан баравар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Биз сўрар эдикки, ўғлинизга ўз имингизни ўргатиб, табибликка фотиҳа берсангиз эди.* Айний, Қуллар. **Оқ фотиҳа** бирор ишни бажаришга киришиш учун хурсандлик билан бериладиган руҳсат, ижозат. *Ота, сиздан оқ фотиҳа тиламан, Ширвон элда Зулхумрога бораман.* «Равшан». [Тангрикул ҳожи] .. *халқ орасида «халифайи Рум Бухорога келди, Эргаш қўрбоши бориб, мусулмонбод йўлида газот қилгани халифадан фотиҳа ва юз минг сарбоз олиб келди», — деб гап тарқатилти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Фотиҳа сўрамоқ** бирор йиғиндан ёки ўзидан ёши улўғроқ кишидан олдинроқ туриб кетиш учун руҳсат сўрамоқ. *Абдурахмон сардор .. қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради.* Айний, Қуллар.

4 *эти.* Қиз билан йигитни турмуш қуришга кўндирилгандан кейин, бу ҳақда ишонч ҳосил қилиш мақсадида никоҳдан олдин ўтказиладиган маросим; унаштириш. «Фотиҳа» — *гўё ярим никоҳ, у икки томоннинг келажак ҳаётига тақдир муҳрини босади.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Қизим фотиҳа қилинган, — деди Пирнафас ака гапни қисқа қилиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Фотиҳа тўйи** қиз билан йигитни унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган кичик тўй; унаштириш. *Келинг .. катта тўйдан илгари фотиҳа тўйини ўтказиб олайлик.* Ҳамза, Қим ўғри?

5 *эти.* Улик чиққан хонадонда, ўлимнинг биринчи уч куни ҳамда ҳайит кунлари марҳумнинг хотираси учун ўтказиладиган маросим; таъзия. **Фотиҳа**

тиҳага кириб чиқмоқ. Улик чиққан хонадонга кўп кишилар фотиҳага киришди. — Улигим кафансиз қолмаса, дуойи-фотиҳага келганларнинг олдида битта-иккита қаттиқ-қуттиқ нон қўйсангиз бўлгани. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ФОТИҲАХОН** [a+f-m] Ўлимнинг биринчи уч куни ва ҳайит кунлари ўлик чиққан хонадонга кириб, фотиҳа ўқувчи киши. *Шу кун кечгача шаҳарнинг ҳамма табақаларидан ҳам фотиҳахонлар келиб турдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ФОТИҲАЧИ** айн. фотиҳахон.  
**ФОТИҲЛИК** фотиҳ 1 с. маъв. от. *Ўрта Осиё халқларининг воқеаларга бой тарихида Искандарнинг фотиҳлик юришлари ҳам маълум ўрин эгаллайди.* А. Қайюмов, Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи.

**ФОТО** [p<грек] айн. **фотография.**  
**ФОТОАППАРАТ** [p] Фотосурат оладиган аппарат, фотография аппарати.  
**ФОТОВИТРИНА** [p] Фотосуратлар қўйиладиган витрина; фотосуратлар кўргазмаси.

**ФОТОГАЗЕТА** [p] Фотосуратлардан ва уларга берилган қисқа текстлардан иборат газета.

**ФОТОГРАФ** [p] Фотография мутахассиси, фотоаппарат билан сурат олувчи мутахассис.

**ФОТОГРАФИК** [p фотографический] 1 Фотографияга оид. *Фотографик санъат.* | Фотография учун белгиланган. *Фотографик камера.*

2 Фотография йўли билан олинadиган. *Фотографик репродукция.*

**ФОТОГРАФИЯ** [p<грек] 1 Махсус оптик аппарат воситаси билан ёруғлик сезадиган қоғозга, пластинкага ёки плёнкага сурат олиш усули. *Фотография тўғараги.*

2 Шундай усулда олинган сурат. *Рангли фотография.*

3 Шундай усулда сурат оладиган ишхона. *Фотографияга келмоқ.*

**ФОТОКАРТОЧКА** [p] айн. фотосурат. Буларнинг остида Библионим мадрасасининг харобалари, Қўқон урушидан сўнг олинган бир неча фотокартчалар. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ФОТОКОПИЯ** [p] Хужжат, асар ва ш. к.нинг фотографик нусхаси, фотография усулида олинган кўчирмаси; фотонусха.

**ФОТОЛАБОРАТОРИЯ** [p] Фотосурат ишлаш ва кўпайтириш учун махсус жиҳозланган алоҳида хона, кабинет, лаборатория.

**ФОТОЛИТОГРАФИЯ** [p] полигр. Фотографияни қўлланишга асосланган литография. *Фотолитография усули.*

**ФОТОМАТЕРИАЛ** [p] 1 Фотосуратлар олишда ишлатиладиган материал (фотоқоғоз, плёнка ва турли химикатлар).

2 Бирор мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган турли фотосуратлар. *Кўргазма учун фотоматериал тайёрлаш.*

**ФОТОМЕТР** [p] 1 физ. Ёруғлик кў-

чини, даражасини ўлчаيدиган оптик асбоб.

2 Юлдузлар ёруғлигини аниқлайдиган оптик асбоб.

**ФОТОМЕТРИК** [р фотометрический] Фотометрияга оид. *Фотометрик метод.*

**ФОТОМЕТРИЯ** [р<грек] Оптиканинг ёруғлик ва ёритиш кучини, уларнинг ўлчаш усулларини ўрганадиган бўлими.

**ФОТОМОНТАЖ** [р] Маълум бир темада олинган суратларни ёки уларнинг айрим қисмларини бир-бирига қўшиб, уларни яхлит бир золатга келтириш. | Шу усулда тайёрланган фотосурат, фотоплакат ва бошқалар.

**ФОТОМУХБИР** [р+а] Газета ва журналларга актуал масалалар юзасидан фотосуратлар тайёрлаб берадиган мухбир.

**ФОТОН** Электромагнит нурланишнинг кванти, нур тўлқини.

**ФОТОНУСХА** [р+а] айн. фотокопия. **ФОТОПЛАСТИНКА** [р] Фотография пластинкаси.

**ФОТОРАСМ** [р+а] айн. фотосурат. — *Бу одамнинг жинот қилганига ҳечман шонмайман, — деди Низора кўлидаги фоторасмга тикиларкан.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ФОТОРЕПОРТАЖ** [р] Фотография воситасида тайёрланадиган репортаж.

**ФОТОРЕПОРТЕР** [р] Репортаж учун сурат олиш билан шуғулланувчи фотораф.

**ФОТОСИНТЕЗ** [р<грек] бот. Ўсимликларда ёруғлик таъсирида карбонат ангидрид ва сувдан органик моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

**ФОТОСУРАТ** Фотография усулида олинган сурат; фотокарточка. *Афсуски, унинг [Малоҳатнинг] фотосурати ҳам йўқ эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Умид янги уй деворидаси Хафиза фотосуратига тикилди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ФОТОТЕЛЕГРАММА** [р] Фототелеграф орқали юборилган телеграмма, хат, хужжат ва ш. к.

**ФОТОТЕЛЕГРАФ** [р] Хат, хужжат, чертёж, расм ва ш. к.ни телеграф ёки радио воситасида узоқ масофага юборадиган қурилма.

**ФОТОУВЕЛИЧИТЕЛЬ** [р] Фотосуратни қозоғга кўчиришда суратни катталаштирувчи проекцион аппарат.

**ФОТОХРОНИКА** [р] Фотосуратларда акс эттирилган воқеалар. *ЎзТАГ фотохроникаси.*

**ФОТОЧИ** с. т. Фотограф. *Кичкина суратни катта қиладиган фоточи келган, хоҳлаганлар кутубхоначи қизга учрашсин.* С. Аҳмад, Сахарларда.

**ФОТӨЭЛЕМЕНТ** [р] Ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантирадиган асбоб.

**ФОТОКӨФӨЗ** [р+ф-т] Бир томони ёруғлик сезадиган модда билан қопланган, фотосуратлар тушириладиган қозғоз.

**ФОТОХАВАСКОР** [р+а+ф-т] Фотография иши билан ҳаваскор сифатида шуғулланувчи киши.

**ФОШ** [ф-т] Ҳаммага маълум, ошкор. *Фош бўлмоқ, Фош қилмоқ (этмоқ).* Камчиликларни *фош қилмоқ.* — [Тўқсонов] *фош бўлишдан қўрқиб, бошқа шаҳар ва районларга ишга кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Мен тегишли жойда гапланиман, — деди Низомиддинов қозғозларини йиғиштирайётим, — мен очдим бу ишларни, мен фош қилдим.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

**ФОШЛАМОҚ** кам қўлл. Фош этмоқ (қилмоқ), очиб ташламоқ, ошкор қилмоқ. *Бек Алпомиш хаста кўнглин хушлади, Йиғилган душманнинг сирин фошлади.* «Алпомиш».

**ФОҲИШ** [а] Фаҳш ишлар билан шуғулланувчи; бузуқ. *Фоҳиш эркак.* — *Юсуфжон фоҳиш, тажнан йиғит бўлиб, Тўлаҳоннинг акаси дид.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Қодирхун қабила Фоҳиш орзунинг қули. Қай тоҳафга узатса Етадир ифлос қўли.* Ғайратий.

**ФОҲИША** [а] Фаҳш ишлар билан (ўз танини сотиш билан) шуғулланувчи бузуқ аёл. [Холисхон:] *Шундай йўлар билан булар фоҳиша кўпайтирар эканда.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Айт, ит қизи, фоҳиша, ўйнашинг ким?* Ф. Гулом, Соғалар.

**ФОҲИШАБОЗ** [а+ф-т] Фоҳишалар билан жинсий алоқа қилишга берилган, ахлоқий бузуқ эркак.

**ФОҲИШАХОНА** [а+ф-т] эск. Революциядан олдинги вақтларда (капиталистик жамиятда ҳозир ҳам) фоҳишалар яшайдиган ва фоҳишабозларни қабул қиладиган жой; исловотхона. *Ҳайит кўнлари тўқлигидан шўхлик қиладиган бойвачча йиғитлар қозоғхона ва фоҳишахоналарга кириб, ичиб юрарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринилари.

**ФРАГМЕНТ** [р<лат] 1 Бирор асар парчаси, бир қисми. *Операдан олинган фрагмент.*

2 Рассомлик, ҳайкалтарошлик, архитектура каби санъат асарининг сақланиб қолган парчаси.

**ФРАЗЕОЛОГИК** [р фразеологический] Фразеологияга оид. *Фразеологик луғат. Фразеологик бирикма.*

**ФРАЗЕОЛОГИЯ** [р<грек] 1 Тилшуносликнинг бирор тилга хос барқарор сўз бирикмалари ва ибораларини ўрганадиган бўлими.

2 Бирор тилдаги барча барқарор сўз бирикмалари ва иборалари мажмуи. *Ўзбек тилининг фразеологияси.* «Навоий» романининг фразеологияси.

**ФРАК** [р<нем] Олд қисми калта қилиб ўйилган, орқа этаги узун (Европада, умуман таътаналарда кийиладиган) кийим.

**ФРАКЦИОН** [р фракционный] сиёс. Фракцияга оид. *Фракцион кураш.*

**ФРАКЦИОНЁР** [р] айн. фракциячи.

**ФРАКЦИЯ** [р<лат] сиёс. 1 Парламент депутатларининг бирор сиёсий партияга мансуб гуруписи. *Давлат думасининг социал-демократик фракцияси қамоққа олинди.* «КПСС тарихи».

2 Сиёсий партия ичида партиянинг

умумий йўлига қарши бўлиб ажралиб чиққан, партия сафида қолгани ҳолда унга қарши кураш олиб боровчи гуруҳ. **ФРАКЦИЯБОЗЛИК** айн. фракциячилик.

**ФРАКЦИЯЧИ** сиёс. Фракция аъзоси, иштирокчиси, гуруҳбоз. *Партия сиёсати масалалари юзасидан бўладиган кенг дискуссия .. партиянинг бирлигини бузадиган фракциячи гуруҳлар тузиш учун бўлган уринишларга .. сабаб бўлмасин.* «КПСС Устави».

**ФРАКЦИЯЧИЛИК** сиёс. Партия ичида фракциянинг, фракцион идеологиянинг мавжудлиги, сиёсий партия ичидаги гуруҳбозлик. *Фракциячиликка қарши амалий кураш олиб боришда партиянинг ҳар бир таъкилотчи ҳеч қандай фракцион чиқишларга йўл қўймаслигини қаттиқ назорат қилиб бориши зарур.* В. И. Ленин, Партиянинг бирлиги тўғрисида.

**ФРАНК** [р<фр] Франция, Бельгия, Швейцария ва бошқа бир қанча мамлакатларда пул бирлиги.

**ФРАНЦУЗ** қ. французлар. *Француз тили.* || *Француз аёл.*

**ФРАНЦУЗЛАР** Франциянинг, асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ, француз халқи.

**ФРАНЦУЗЧА** 1 Францияга, француз халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Французча кўйишқ.*

2 Француз тили. *Сен французча(ни) биласанми?* || *Французча гапирмоқ.*

**ФРЕЗЕР** [а] тех. Айланма ҳаракат қилиб металл ва ёғоч ашёларга ишлов берадиган кўп тишли кесувчи асбоб.

**ФРЕЗЕРЛАМОҚ** Фрезер билан ишлов бермоқ.

**ФРЕЗЕРОВКАЧИ** Фрезер станогида ишловчи ишчи. *Фрезеровкачи бўлиб ишламоқ.*

**ФРЕЗЕРЧИ** айн. фрезеровкачи. *Фрезерчи касби.*

**ФРЕСКА** [р<итал] Янги сувоқ устига рангдор қилиб ишланган расм. *Афросиёб фрескалари.* — *Иван Федорович билан Акрамхон битган .. биналарни айланиб чиқишди, қаерга қандай безак бериш, фреска чизишни маслаҳатлашиб олишди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ФРИКАТИВ** [р<лат] лингв. Бир-бирига яқинлашган нутқ органлари орасидан ҳавонинг ишқаланиб ўтиши натижасида пайдо бўладиган; сиргалувчи. *Фрикатив товушлар.*

**ФРОНТ** [р<нем] 1 Қўшин, сафнинг ёки колоннанинг олд томони.

2 Жанг ҳаракатлари бўлаётган зонанинг, районнинг олд томони, жанг майдони. *Бу кунларда Қизил Армия бир ярим минг километр масофада — фронт бўйлаб хужум қилмоқда.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Жанг ҳаракатлари кетаётган зонадаги барча қуролли кучлар мажмуи. *Ўқасининг бири фронтга, иккинчиси канал қурилишига юборилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Зокирнинг отахи*

бир йил олдин урушда ҳалок бўлган, акаси ҳам фронтда, ойсиси рўзгорларидаги буюмлардан сотиб тирикчилик тебратар эди. П. Қодиров, Уч илдрз.

4 Уруш вақтида бир қўмондон раҳбарлиги остидаги энг йирик армия группаси. Мирзаев Фарбий фронтнинг ўзида учта хат, иккита совға олган эди. А. Қаҳҳор, Қўк конверт.

5 кўчма Бирор нарсанинг умумий фаолияти; жабҳа, соҳа. *Идеология фронти. Маданий фронт. Қишлоқ хўжалиги фронти.* — [Давронов:].. Бугун мактабни битириб маориф фронтига отланаётган ёшларимиз илгарии кимлар эди? П. Турсун, Уқитувчи.

**ФРОНТОВИК** [р] с. т. Фронтчи. **ФРОНТЧА** *рви* Фронтдагидек, фронтга хос; фронт талабига мувофиқ равишда. *Асрорқул .. чолларни йиғиб мажлис қилди. Шу мажлисдаёқ ҳалиги чоллар фронтча ишлайдиган комсомол бригадаларига бирикиб олди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Фронтча ишлаш кучимизга куч, қувватимизга қувват қўшаётир.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

**ФРОНТЧАСИГА** *айн.* фронтча. [Тоға:] Раҳмат, жиян, раҳмат. Фронтчасига иш қилсан. С. Аҳмад, Уфқ.

**ФРОНТЧИ** Фронтда хизмат қилган ёки уруш маҳалида фронтда, ҳаракатдаги армияда бўлган киши. *Хамма ўз гапини маъқул қилади. Йўлнинг кун чикши томонидан келаятганлар: «Йўл бўшат, биз фронтга бораётимиз!» деса, гарбдан келаятганлар: «Биз фронтчимиз, йўл бизники!» деб ўдағайлайдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ФТИЗИАТР** [р] Фтизиатрия бўйича мутахассис, врач.

**ФТИЗИАТРИЯ** [р<грек] Медицинанинг ўпка сили ва уни даволаш йўллари ни ўрганадиган бўлими.

**ФТОР** [р<грек] Химиявий элемент, ўткир хидли туссиз газ.

**ФТОРЛИ** Таркибда фтор бўлган. *Фторли водород. Фторли бирикма.*

**ФУГАС** [р<фр] Ерга кўмиладиган ёки сув остига қўйиладиган портловчи заряд. *Погодин қисмлари кўприкдан ўтиб олгандан кейин, Юрьев кўприк остида учта фугас атрофларига мина кўндириб, уни истаган дақиқада портлатишга ҳозирлаб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ФУГАСКА** [р] с. т. Келиб тушган жойини ўйиб ўтиб портлайдиган авиабомба ёки снаряд.

**ФУЗАЛО** [а] *эск. кт.* Уқимишли кишилар; фозиллар; знелилар. *Бу йиғинда уламолар ҳам бор, фузало ҳам бор, хулласи шаҳарнинг ҳар бир синфидан ҳам ҳозир эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Биз бор эканмиз, боёнларимиз, уламою фузалоларимиз хотиржам ва осойишта бўлсинар.* М. Урinxўжаев, Унутилмас кунлар.

**ФУЗУН** [ф-т] *эск. кт.* Ортиб, знеда бўлиб борадиган, кўп. — *Илоийм умринг узун, давлатинг фузун бўлсин,*

қўлинг баланд бўлсин,— деди Облоқул Аҳмадхўжага. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**ФУНДАМЕНТ** [р<лат] 1 Бирор бино, иншоот, дастгоҳ ва ш. к.нинг пастки мустаҳкам қисми; пойдевор. *Бино фундаменти.*

2 *кўчма* Бирор нарсанинг асоси; таянч, база. *Ёшлик — фундамент. Унинг ғиштини тўғри қўйиш керак.* Мирмуҳсин, Ажрим.

**ФУНДАМЕНТАЛ** [р фундаментальный] 1 Асосий, энг муҳим. *Фундаментал кутубхона.*

2 Чуқур текширилган, етарлича тадқиқ қилинган. *Фундаментал асар.*

**ФУНКЦИОНАЛ** [р функциональный] 1 Функцияга оид. *Функционал боғланиш. Функционал анализ.*

2 Тузулишига эмас, балки фаолиятига, хизматига, функциясига боғлиқ бўлган. *Меҳнатнинг функционал тақсимоти.* Юракнинг функционал касаллиги.

**ФУНКЦИЯ** [р<лат] 1 *мат.* Бошқа миқдорнинг ўзгаришларига қараб ўзгариб турадиган ўзгарувчан миқдор. *Ўткир бурчакнинг тригонометрик функциялари.*

2 *биол.* Бирор орган ёки организмнинг ишлаб туриши, фаолияти. *Юракнинг функцияси.*

3 *кўчма* Бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси. *Бу ишни бажариш менинг функциямга кирмайди.* — *Мустабид ҳокимиятларнинг асосий функцияларидан бири канал қазии, дамбалар қурдириш, суғориш иншоотларини тозалайиш кабинетлардан иборат бўлган.* И. Жабборов, Қўхна харобалар сири.

**ФУНТ** [р<англ] Англия, Миср, Ливан, Ливия, Сурия ва Суданда пул бирлиги. *Фунт стерлинг* Англияда 20 шиллинга тенг пул бирлиги.

**ФУНУН** [а] *эск. кт.* Фанлар, илмлар. *Муҳаббат жомидан нўш айлаган аҳли зако бўлмиш, Фунуни тибда мажнундир кишининг қуйса сафроси.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Улум, фунунинг қадри-қийматини билган ота .. гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий.

**ФУРАЖКА** [р] Эркакларнинг гардишли ва қисқа соябонли бош кийими. *Данильченко янзигина фуражкасини олди: сўйрак ва нимжон сочлари бошига ёпишиб ётарди.* Шўҳрат, Шинелли йиллар.

**ФУРСАТ** [а] 1 Бирор ишни бажариш учун энг қулай вақт, пайт. *Фурсат пойламоқ. Фурсат келди. Фурсатдан фойдаланмоқ.* — [Шайхулислом:] Тақсирим, бағоят яхши фурсатда йўқладилар. Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Бу ваҳший талончилардан қаттиқ нафратланган Юсуфжон .. фурсат пойлаб, улардан ўч олишга интилларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. **Фурсатни бой** (ёки қўлдан) бермоқ қулай вақт ёки пайтдан фойдаланмай, уни бекорга ўтказмоқ. *Ҳозир .. ўйланиб ўтириш,*

фурсатни бой бериш пайти эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳофиз .. фурсатни қўлдан бермай, сафар анжомларини тайёрлаб, икки навқар билан йўлга чиқди.* М. Осим, Зулмат ичра нур. **Фурсатни қочирмоқ айн.** **фурсатни бой бермоқ.** *Ўзбек ойим .. ҳамиша юрагини шопиртириб, мясину машғул қилган муддаони айтиб солиб фурсатини қочирмайди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Юз бераётган воқеага нисбатан минут, кун, йил ва ш. к. билан ўлчанадиган давомийликнинг тўхтовсиз ўтиб борадиган қисми; вақт. *Ешишга фурсатим йўқ.* — *Шу фурсатда «куёв келди» хабари эшитилиб, қизлар шошиб-пишиб .. Гулмеҳрани кийинтира бошладилар.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Сал фурсат қўлдан берилса, бўлими илгарилайди ва пулемёт жангчиларни битталаб теради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ФУРФУРОЛ** [р<лат] *хим.* Химия ва нефть саноатида қўлланиладиган туссиз органик бирикма. *Эндиликда .. суюқлик шаклидаги фурфурол пахта чигити ва чигит тўфонидан олинади.* Ш. Тохиров, Янгилик яратувчилар.

**ФУРҚАТ** [а] 1 *эск. кт.* Ўзига азиз, севимли бўлган кимса ёки нарсдан узокда яшаш; айрилиш, айрилиқ; хижрон. *Олти ойдир туидим бундоғ фурқатга, Севанларим ташлаб бирдан фурқатга, Дилим қондир, ширин ўғлон, қизларим, Муҳаббатлик дилбаримни соғиниб.* Ҳамза. *Фурқат аро ташлаб мени, эй шўхи дилдор, ўртама.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фурқат (эркаклар исми).

**ФУСАҲО** [а] *эск. кт.* Гапта чечан, чиройли гапирадиган кишилар, сўз усталари. *Бу ғазалларни ўқиб, форс фусаҳолари ва ўзимиэнинг форсипарастларимиз не деб оғиз очинга жасорат қила олурлар.* Ойбек, Навоий.

**ФУСУН** [ф-т] *эск. кт.* Киши ёки нарсани ўзига жалб ва мафтун этувчи куч; жозоба, чирой. *Истасан мураббо тўлдир ё шинни, Нечоғлик фусун бор эл санъатида.* Миртемир. — *Ҳа, баракалла, .. деди Тўтиқиз, кўзларида фусун ўти чакнаиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Безакли деворлар, Зарҳал кунгеура .. Фусундан яралган Ажиб кошона.* М. Али.

**ФУСУНКОР** [ф-т] Ўзига тортадиган, мафтун этадиган; жуда чиройли, жозибали, сеҳрли. *Ўзбек меъморлари фусункор Самарқанд ва Бухорони бунёд этдилар.* — *Қиз ҳақиқатан гўзал экан. Ёниб турган фусункор кўзлари унинг юрагини қитиқлади.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

**ФУСУНКОРЛИК** фусункор с. белги оти. Баҳорнинг фусункорлигин ўз кўзинг билан кўрсанг .. қисқаси бутун жисминг билан баҳорни эмсанг — унда бошқача бўлади. О. Ҳусанов, Най.

**ФУТБОЛ** [р<ингл] Иккита команда-нинг қарши томон дарвозасига оёқ ёки

бош зарби билан кўпроқ тўп киритиш мақсадида ўтказиладиган спорт ўйини. Футбол тўпи. Футбол командаси. Футбол ўйнамоқ.

**ФУТБОЛКА** [р] Енги калта трикогаж спорт кўйлаги.

**ФУТБОЛЧИ** Футбол ўйновчи.

**ФУТУР** [а] Зарар, зиён, шикаст. *Машинага футур етмасин. Футур кетди зайфлашиб, кучсизлашиб қолди, аввалги мавқеини йўқотди. Соғлигининг футури кетди.*

**ФУТУРИЗМ** [р<лат] 20 аср бошларида пайдо бўлган, адабиёт ва санъатда реализмни, шунингдек, маданий меросни инкор этиб, эски санъатнинг традиция ва услублари ўрнига гўё замонга мос келадиган янги услуб яратмоқчи бўлган формалистик оқим.

**ФУТУРИСТ** [р] Футуризм тарафдор.

**ФУТУРИСТИК** [р футуристический] Футуризм ғоялари билан суғорилган, футуризмга асосланган. *Футуристтик роман. Футуристтик оқим.*

**ФУФАЙКА** [р] 1 Олди тугмалаб кўйиладиган, калта, пахтали қавима куртка. *Очил эса ёқаси ва енлариёга кўнғир клеёнкадан жик қўйиб тикилган эски пахталик фуфайкада, оддий трико шим ва фуражкада эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Исикъ трикотаж ёки жундан тўқилган, калта уст кўйлак. [Абдусамод:] *Совуқдан сақланг, Москвадан жун фуфайка олиб келинг, бу ҳам комсомол топишириги.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ФУҚАРО** [а] 1 Бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси, граждандар. — *Менинг кўл остимда бегона одам йўқ! Хаммаси совет фуқароси, .. — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 этн. Оддий қора халқ вакили; акси хўжа З. *Мен сизга айтсам, бизнинг Қамишкана ёскидан уруққа ажраб келади: фуқаро ва хўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ФУҚАРОПАРВАР** [а+ф-т] Ўз халқининг талаб-эҳтиёжларини, орзу-хавасларини химоя қилувчи, унга хар томонлама ёрдам берувчи. *Шўро ҳукумати заб фуқаропарвар чиқди, мулла Маҳкам. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ФЮЗЕЛЯЖ** [р<фр] авиа Самолётнинг корпуси.

**ФУТА** [ф-т] Белга бир неча марта айлангириб ўраладиган узун белбоғ. *Қози белини .. оқ фўта билан боғлаб, қўлидаги узун тайёққа суяниб, тик турарди.* Айний, Эсдаликлар.

## Х

Х Ўзбек алфавитининг йигирма учинчи ҳарфи; қ. ха.

ха «Х» ҳарфининг номи.

**ХАБАР** [а] Бирор кимса, нарса ёки ходиса ҳақида маълумот; ахборот, дарак. *Янги хабар. Совуқ хабар. Қора ха-*

*бар. Хабар олмоқ. Хабар топмоқ. Хабар қилмоқ (бермоқ, етказмоқ).*

— *Элни кезиб, ўртади жонни Келган хабар Хўжайли ёқдан.* Э. Раҳим. [Элмурод:] *Шунча кундан бери бирор хабар йўқ эди. Бирдан учта қалин хат келди. Шухрат, Шинелли йиллар.* | Бирор янги гап, воқеа, янгилик. *Мулла Абдушукур, Мирзакаримбой меҳмонлардан бирига мурожаат қилди: — Оламда нима хабарлар бор, гапирсангиз-чи.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Қайғудан фойда йўқ,— деди Қомила Уктамга,— кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Менга адресингизни беринг, колхозга ўзим хат ёзаман, уйингиздан хабар олишади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Агар полиция хабар топса, ўқиганини ҳам, эшитганини ҳам қамаб қўяди.* С. Аҳмад, Хукм. *Нормат буюнги воқеалар ҳақида онасига, Адолатага, Эргашга хабар қилмоқ учун қўлига қалам олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Хабари бор** 1) бирор нарса ҳақидаги маълумотни биладиган; хабардор, воқиф. *Бу воқеадан унинг хабари бор.* — *Сизнинг бу ишингиздан қайин отангизнинг хабари бор эдими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бирор иш ёки хунарни биладиган, уни бажариш қўлидан келадиган. *Тикучиликдан хабари бор қиз. Хабарни йўқ* 1) бирор нарса ҳақидаги маълумотни билмайдиган, бу ҳақда тасавури йўқ. *Бу воқеадан хабарим йўқ. Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.* Мақол; 2) бирор иш ёки хунарни билмайдиган, уни бажара олмайдиган. *Унинг шофёрликдан мутлақо хабари йўқ.* | Кундалик матбуот, радио ва телевидение орқали бериладиган ахборот, маълумот; мақола. *Газетада танқидий хабар босилди.* — *Қолхозга Сидиқжоннинг халаваччаси Сатторқул раис бўлибди ва унинг хотини бирданига учта туғибди,— бу туғрида газетада хабар чиқибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди, бир чеккаси шунинг учун радиога, газеталарга хабар ёзиб юрарди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ХАБАРДОР** [а+ф-т] 1 Хабарни бор, воқиф. *Хабардор доиралар.* — *Бондарь ҳамма воқеадан хабардор эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Можародан хабардор Утамбой, ниқ-ниқ қулиб, бир четга кетишга мажбур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Чикса ҳар ердин бир ис, ҳозир хабардор авлиё.* Муқимий. **Хабардор бўлмоқ** 1) воқиф бўлмоқ, хабар топмоқ, эшитмоқ; билмоқ. *Шов-шув кўтарма! Даданг хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кузатиб турмоқ, назорат қилмоқ. *Дарвозадан кириб чиқатурсанлардан хабардор бўлиб тур.* Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Бирор соҳа бўйича муайян маълумотга эга, шу соҳани биладиган; омилкор. *Али тажанг жуда тўғри ўсган йўғон ва баланд қарагайни суйиб қучоқ-*

*лади. Бинокорликдан пича хабардор эди у. Ойбек, Қуёш қораймас. [Йўлчи] Абдушукурни дунедан хабардор, ўқимишли одам деб билгани учун, у маъноли бир кенгаши берар, .. деб ўйлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *У ўз раисини қўлга туширган ҳужжатларидан, далилларидан, тергов натижасидан хабардор қилди.* Х. Ғулом, Машғал.

**ХАБАРЛАМОҚ** Хабар қилмоқ, маълум қилмоқ, дарак бермоқ; жар солмоқ. *Бугун соат ўн иккида Отабек ила Мирзакарим қутидорнинг исёничилик гуноҳи билан дорға осилишарини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Бу ёқдагиларни менга топиширинг, бир соатда хабарлаб чиқаман,— деди Қўзибой.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ХАБАРЛАТМОҚ** хабарламоқ фл. орт. н.

**ХАБАРЛАШМОҚ** хабарламоқ фл. бирг. н. *Тўй ҳақида яна хабарлашармиз.*

**ХАБАРЛОВЧИ** айн. хабарчи.

**ХАБАРНОМА** [а+ф-т] Бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи ҳужжат; қақирув қоғози. *У бугун кеч соат тўққизда телефон станциясига бориб, Наманган билан гаплашиши керак эди, чўнтагидаги хабарномада ким қақиратгани айтилмаган бўлса ҳам, ойиси эканини биларди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ХАБАРСИЗ** айн. бехабар. *Бу воқеадан хабарсиз қолибман.* — *Сафар бўъчи Абдурахмоннинг тўхтаганидан хабарсиз икки-уч одим нарига ўтган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳеч нимадан хабарсиз Унсин баъзи вақт: «Нега акамни кўрмайман, тоғам қайёққа юборган?» — деб Ғулнордан сўрайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАБАРЧИ** Хабар берувчи, маълум қилувчи; жарчи. *Ҳар ёққа хабарчилар .. Чопа-чона кетдилар.* Х. Олимжон. *Аравада тик турган жарчи, Шаҳар кезиб юрган хабарчи Өвез билан қамраб кенг қурни, Босиб туйди ғовур-ғувурни.* Э. Раҳим. *Тонг хабарчиси хўроз чўзиб-чўзиб ўзининг ашуласини айтарди.* У. Юсупов, Меҳрибон.

**ХАВОТИР** [а] 1 Бирор кимса, нарса ёки бирор иш, ходиса ҳақида ташвишлиниш, ташвишга тушиш; бетинчлик, ташвиш. *Узоқ вақтдан буён хат ёзмаганингиздан хавотирда эдим.* — *Қоронғи қуюқлаша борган сари, унинг хавотири ҳам орта борди.* Х. Ғулом, Машғал. *Сидиқжон суднинг ҳукмидан жуда хурсанд бўлди-ю, лекин Шарофатнинг шикоят қила олиши ҳуқуқидан хавотирга тушибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — *Хавотир бўлманг, ота, йиқилсам ер кўтаради, — деб қулди [жувон].* А. Қаҳҳор, Хотинлар. — *Бу .. сиз кимни айтаяпсиз, Ефим Данилович? — хавотир олиб сўради Эргаш.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. — *Жон болам,— деди [Хадича хола] ҳовлининг ўртасида туриб,— хат юборгин, бизни хавотир қилма.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.



2 Ҳадиксираш, хавфсираш, хавф, қўрқув. Чакки ишини хавотири қурсин! У саросимага тушиб, хавотир аралши милиционерга қаради. У чап ёнида индамай ўтирган, ёмонроқ кийинган йигитдан хавотир олиб келётган эди. А. Мухтор, Туғилши. Шунча одам орасида, ҳар қайсиси ўзидан хавотир қилмай, бир-бирининг сирини очиб ташлаётинти. А. Қахҳор, Оғайнилар.

**ХАВОТИРЛАНМОҚ** I Ташвишга тушмоқ, ташвишланмоқ; қайғурмоқ. Агар жавоб қайтармай қўяверса, акаси хавотирланади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Полвонбой билан Бекжоннинг ҳалига қадар келмаганидан Ойша хола хавотирланди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор нарсадан хавфсирамоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ. — Шу орада отаси бир нарсадан хавотирланди, шекилли-да, қизини кўчага чиқармай қўйди, — деди Давлатёр. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХАВОТИРЛИ** Хавфли, қўрқинчли; хатарли. Хавотирли иш. Хавотирли тун. — Бу қулоқларнинг юриш-туриши жуда хавотирли. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХАВОТИРЛИК** хавотир с. мавҳ. от. Саидий хавотирликка тушади. А. Қахҳор, Сароб.

**ХАВОТИРОНА** [a+ф-т] рвш Хавотирланиб, хавфсираб, қўрқа-писа. У бир кўзини қия очиб, атрофга хавотирона назар ташлади. Ф. Мусаёнов, Чикинди.

**ХАВОТИРСИЗ** Хавфсиз, хатарсиз, тинч. Бу ер анча хавотирсиз эди. || Хавотирсиз яшамоқ.

**ХАВФ** [a] I Бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериш эҳтимолиги, хатар; қўрқинч. Тошқин хавфи барта-раф қилинди. — Насимжоннинг ҳаёт ва эрки неча бор хавф остида қолган эса ҳам, .. ҳали тавба қилмаган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. «Наҳотки улар ўлим хавфини сеза туриб, ўзларидан ҳеч бир из қолдирмасалар?» ўйлади Шукржон. О. Ёқубов, Ота изрдан. Йўл узок. .. Йўлда зўр хавф, хатар ва ўт. Х. Пўлат.

2 Хавотирланиш, хавфсираш; хавотир, ташвиш. Ўғлим келмаётганидан хавфдаман. — Эрининг кечикишидан хавфга тушиб, Офтоб ойм унинг ёнига чиққанда ҳам у бояги ҳолда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХАВФЛАНМОҚ** Бирор нарсадан хавфга тушмоқ; хавфсирамоқ, ҳадиксирамоқ; чўчимоқ. Нега хавфланаясан? — Ҳозиргина чап қанотидаги нотинчликдан хавфланган Чернецов, энди унинг тинчланишидан хавфа. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Юрда катта қўғолом, отиш-тутиш бўлганини эшитган Унсин, акасидан хавфланиб, кечга яқин темирчининг бир ўғли билан бирга Тахтапулга келган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАВФЛАНТИРМОҚ** хавфланмоқ фл. орт. н.

**ХАВФЛИ** Хавф туғдирадиган; ха-

тарли, қўрқинчли. Хавфли душман. Хавфли касал. Хавфли сафар. Хавфли ҳаракат. — Редакцияга ҳам қабул қилмай рад этдилар, гоят хавфли унсур, у бадбахт. Ойбек, Нур қидриб. Вақт кечикиб борар эди. Ҳаялми хавфли эди. Ғ. Ғулום, Шум бола.

**ХАВФЛИЛИК** хавфли с. белги оти. Аҳволнинг хавфлилиги.

**ХАВФСИЗ** Хавф туғдирмайдиган; хатарсиз. Хавфсиз операция.

**ХАВФСИЗЛИК** I хавфсиз с. белги оти. Қасалликнинг хавфсизлиги. Давлат хавфсизлигини сақлаш.

2 Бирор нарса ёки кимсага хавф бўлмаслик, осойишталик ҳолати. Техника хавфсизлиги.

**ХАВФСИНМОҚ** айн. хавфсирамоқ. **ХАВФСИРАМОҚ** Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бериши эҳтимолигидан ташвишланмоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ, хавф олмақ. Нега мендан хавфсирайсан? — Муса аввал индамай, кейин бир нарсадан хавфсирагандай гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи. — Нима гап? Нима бўпти? — хавфсираб сўради Тешабой. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАВФСИРАНМОҚ** айн. хавфсирамоқ.

**ХАВФ-ХАТАР** [a] Хавф ва хатар, бирор нарсадан қўрқиш. Хавф-хатарга юзма-юз келиб; унга чап бериш қандай яхши. А. Қахҳор, Қўшчиноқ.

**ХАЁЛ** [a] I Уйлаш, фикр юритиш жараёни; фикр, ўй. Унинг кўзи бирдан стол устидаги хатларга тушиб, ҳаёли бўлинди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Тўхта хола Норматнинг кимнидир қидираётган олазарақ кўзларига қараб-қараб қўйди-да, ҳаёлга қўмди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. «Қизиқ, менинг тўғримда қандай фикрда экан бу қиз», деган ҳаёл [Элмуроднинг] миясини алғов-далғов қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. **ХАЁЛИ** паршон қ. паршон 2. **ХАЁЛГА** бормоқ ... деб кўнглидан ўтказмоқ, ... деб ўйламоқ.

2 с. т. Бирор нарсани эсга тушириш, хотирада тиклаш қобилияти, эс; бош, мия; дил. Бу фикр унинг ҳаёлига келган ҳамон юраги орқасига тортиб, нафаси ичига тушиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **ХАЁЛИНГИЗ** қаерда, нима сўз-лаласиз, оий? Ойбек, Қутлуғ қон. **ХАЁЛДАН** кўтариламоқ эсдан чиқмоқ, унутмоқ. — **ХАЁЛИДАН** кўтарилибди, .. — деди Мухторхон бир кунни Аббосхоннинг уйда Мирза Муҳиддин билан шаҳмат ўйнаб ўтириб. А. Қахҳор, Сароб. | Кўз олди, тасаввур. **Назирқул** бешотарни елкасига осиб, «Ўлсам шаҳид, ўлдирсам ғозий!» деб қишлоқларга от сураар экан, **ҳаёлидан** Саломат нари кетмади. С. Аҳмад, Ҳукм. **Элмурод**: «Бирор гуноҳ содир бўлган экан-у, пайқаммаган эканман-да», — деб, шу бир ҳафта ичида қилган барча ишларини бир-бир **ҳаёлидан** ўтказди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Киши ёки нарса ҳақидаги тушунча, тасаввур; назар. Гулсум унинг [Элмуроднинг] **ҳаёлида** бу ердаги гўзаллар-

нинг гўзали бўлиб тура берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Бирор иш ёки ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ўй, ният; истак. Бошлаб занжирлик халқи кўчаларга чил [гов] ташлаш, Азизбекка қариши уруви ҳозирлиги кўриш **ҳаёлига** тутиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Баъзи кезларда у [Оттабей] умид қучоғида шошиб қолар эди ва иккинчи вақтда ярамас-қора **ҳаёллар** билан энтиқар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Амалга ошири қийин бўлган, реал бўлмаган орзу, истак; фантазия, ҳаёллот. Бу **ҳаёл** эмас, ҳақиқат. — Аммо олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч **ҳаёл** бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим. Ойбек, Нур қидриб. **Хаёл сурмоқ** узоқ ўйга берилмоқ; орзу қилиб ўйламоқ. Нормат бемажол ётганича яна **ҳаёл** суриб кетди. «Бундай чоғларди большевиклар жалолудин болтасини кутмай, ўз-ўзини ўлдирини афзал кўрган эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **ХАЁЛ** қилмоқ 1) ўйлаб бирор фикрга келмоқ, ният қилмоқ; ўйламоқ. [Деҳқон:] «Қовуним пишиб чириб кетди .. Қўшинимдан аравани бир кунга тилаб олган эдим. Жилла бўлмаса, битта четанда олиб тушай-да, сотиб болаларга кийимлик олай, — деб **ҳаёл** қилган эдим». Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бирор кимса ёки нарсага эришини, етишини орзу қилмоқ; ўйламоқ. У [Йўлчи] дам ўйлаб, **ҳафа** бўлади, дам, анча пул юбориб, онасини севиштириш **ни** **ҳаёл** қилади. Ойбек, Қутлуғ қон; 3) тасаввур қилмоқ, ... деб ўйламоқ, тушунмоқ. Чол у ёқ-бу ёқ суриб, сўраб юриб ўртадаги ходани **ҳаёл** қилган иш йўлига тўғриллб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Бирор нарса ёки кимсага етишиш, эришиш истаги, шунга кучли даражада интилиш. **Хаёлинда** бўлдинг шундай девона, Эл сўйлади менга ҳар хил афсона. Хуршид. Зебо севиқлисининг **ҳаёли** билангина яшашни истамас, унга севишли бўлиш ва севишгина кифоя эмас эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Чодир** **ҳаёл** қ. **чодир**.

**ХАЁЛАН** [a] кт. **Хаёлда** тасаввур қилган ҳолда; **ҳаёлда**, фикран. У [А. Набиев] **ҳаёлан** В. И. Ленин билан сўзлашади, ундан маслаҳат сўрайди, дала олади. М. Худойқулов, Жанговар ёшлик қиссаси. **Қўшиқ** .. кишини сеҳрлаб, **ҳаёлан** табиатнинг энг гўзал жойларига бошлайди. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

**ХАЁЛИЙ** [a] I Амалда содир бўлмайдиган; **ҳаёлдагина** тасаввур қилинадиган; афсонавий. **Хаёлий** қаҳрамонлар. — Мана, .. ой, .. кечанинг қоронғисида эриб йўқолган дарахларни нурлантириб, уларга кўркам, **ҳаёлий** манзаралар шаклини беради. Ойбек, Қутлуғ қон. **Лекин**, **ҳозир** экинни ямлаган кенг жағлари Қўдратга **ҳудди** **ҳаёлий** аждаҳонинг беҳуш оғзидай хунук тўғлиб кетди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.



2 Ўйлаб чиқарилган; уйдирма. *Руслар тўғрисида аллақандай хаёлий ривоятлар эшитиб юрган қутидор ва Зиё шохичининг Отабекдан ҳақиқий ҳоли билгилари келиб, ундан Шамайда кўриб-кечирганларини сўрадилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Шу китобни ёзган киши ўзининг китобидеги бир талай хаёлий ва қизиқ ҳикоялар қаторига Абустанбал деган бир ялқов йигитнинг хикоясини ҳам тиркаган. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда: Хаёлий социализм эск. айн. утопик социализм қ. утопик 1.*

**ХАЁЛҚАШ** [a+ф-т] с. т. Хаёлпараст. *Уйламас эканман сен ҳақда аввал, Мана сен кетдинг, бўлдим хаёлқаш. Зулфия.*

**ХАЁЛҶЛАНМОҚ** Хаёлга берилмоқ; хаёл сурмоқ; ўйланмоқ. *Сўлим чехраси рангсиз, қадди-қомати хипчиндек Гулчехра бўм-бўш хонасида хаёлланиб, дераза олдида оппоқ гуллазан ўрикка фикрини туйган. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Муродхон буларга жавоб бермай, бошини қуйи солиб, хаёлланиб турипти. «Муродхон».*

**ХАЁЛҶОТ** [a] Бирор кимса, нарса, воқеа ва ш. к. ҳақидаги ўй, фикр ва таъсавурлар. — Эшак тўғрисидаги хаёлот бошимдан ҳеч чиқмаганлик важдан, мен ҳам секингина хонақоҳа кириб ишкни юзига ёпдим, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Фирдавсий мисраи кўздан кечаркан, Миямни чулғайди турли хаёлот. Ғайратий.

**ХАЁЛПАРАСТ** [a+ф-т] 1 Хаёл суришни яхши кўрувчи, хаёл сурувчи, хаёлга берилувчи; хаёлчан. — *Биз сиз ўйлаганча хаёлпараст эмасмиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 эск. айн. утопик. **ХАЁЛПАРАСТЛИК** хаёлпараст 1 с. маъв. от. Раҳмонқулов қурилиш учун жавобгар. Хаёлпарастлик қилмасдан, амалий иш билан шугулланиш керак. А. Мухтор, Тугилиш.

**ХАЁЛСИРАМОҚ** с. т. Хаёл сурмоқ, хаёлга берилмоқ, ўйланмоқ. *Хаёлсираб ўтирмоқ.*

**ХАЁЛХОНА** [a+ф-т] кам қўлл. салб. Бош; мия. *Мажиддин Муҳаммад ўз хаёлхонасидан ҳафтада янги закот тўйқиб чиқармоқда. Ойбек, Навоий.*

**ХАЁЛЧАН** Хаёлга ботган, хаёл сурувчи, ўйчан. *Хаёлчан одам. — Ҳожи хола, Тўрақоннинг хаёлчан кўзларига кириб олиб, жавоб кутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шамнинг титроғи билан, кўзини бир нуқтага тиккан Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтираётгандай кўринар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. || Мехмон «безак»нинг маъносига тушунди шекилли, хаёлчан қараб турди-да, жулудур кийимлари орасидан бир нимани шошиб тита бошлади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ҳамма ёғини қурум босган Мавлон ака хаёлчан галирди. Ғ. Ғулом, Машғал.*

**ХАЁЛЧАНЛИК** хаёлчан с. белги оти. *Кексаларга хос хаёлчанлик. — Ойқиз эса бу камтарлик ва хаёлчанлик, ғамгинлик ва уҳ тортиш жўрт-*

*тага қилинаётганини, Назокат турмушда хушчақчақ ва эрка, шўх ва енгил эканлигини сезиб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ХАЁЛЧИ** с. т. Хаёлпараст. **ХАЗАНАК** [ф-т] Кузда йиғиштириб олинган ҳосилнинг қолдиғи (полиэ экнларни, олма, узум ва ш. к. ҳақида). *Болалар хазанак теришга чиқшиди. — Куз фаслида Мустақим хазанакни жуда яхши кўрарди. Й. Шамшаров, Улғайиш. Бундай кезларда хазанак бўлган полиздан топилган хамак ҳам, пайкал кесагидан ёриб ёйдиган тўйнак ҳам ширин бўлади. С. Аҳмад, Қадрон далалар. Хазанак қилмоқ кузда йиғиштириб олинган ҳосил қолдиғини қидириб топиб олмақ.*

**ХАЗИНА** [a] 1 Давлат пули, қимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сақланадиган жой. [Хусайн:] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртининг ободонлиги учун сарф этишга вағда бераман. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Бу қадар саховат, бунчалик дабдаба, албатта хазинадаги олтинлар кучи билан бўлган, деб баъзиларнинг кўнглига келар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Олтин, қумуш каби қимматбаҳо нарсалар кўмилган, яширилган жой, дафина. Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, гап қувлаган балага йўлиқар. Мақол. — Шербек бу нуруний чолнинг қимлигини билиб, хазина топган кишидай суюниб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар; маблағ; бойлик; давлат. *Хазина ғойибдан эмас — меҳнатдан. Мақол. — Сўрадим, лекин хазинадан қарз олишга рухсат этмадилар, — жавоб қилди Исроимўжа. Ж. Шарипов, Хоразм. Мирзакаримбойнинг хазинаси Гулнорники. Ойбек, Қутлуг қон. Ҳар нимани бозордан олаверса, Сулаймоннинг хазинаси ҳам чидамайди, жиён. Ойбек, Қутлуг қон. | с. т. Омбор, касса. Бу турган-битгани даромад, колхоз хазинасига тушадиган бойлик-ку. С. Анорбоев, Оқсой.*

3 Ер ёки табиат бойликлари, табиий бойлик. *Ёз меваси — қиш хазинаси. Мақол. — Сув биз учун куч қони ва катта хазина, — деди Сайрамов. Ойбек, О. в. шабадалар. Ватанимизнинг титроғи олтин, тоғу адирлари, чўлу саҳролари туганмас хазина. С. Зоҳидов, Тоғлар бош эгмоқда.*

4 кўчма Маданий ва маънавий бойликлар, дурдона асарлар мажмуи. *Бобирнинг энг яхши асарлари жаҳон адабиёти хазинасини бошитди.*

— *Н. К. Крупскаянинг бой ва қимматли педагогик мероси совет педагогика фани учун совет халқ маорифи системаси учун абадий туганмас хазинадир. «К. Ўзбекистон», 1959, 26 февраль.*

**ХАЗИНАБОН** [a+ф-т] 1 кт. айн. хазиначи 1.

2 кўчма Табиат бойликларини топиб, унинг халқ иродасига бўйсундирувчи

киши. *Биз, хазинабонлар, Уралга кўпроқ «зангори олов» юборсақ деймиз. Э. Ҳикматов, Хазинабонмиз. Олмалик — бағри бойликларга тўйлик. Бу бойликнинг хазинабони ва фармонбардори совет кишилари. «К. Ўзбекистон», 1964, 4 январь.*

**ХАЗИНАДОР** [a+ф-т] айн. хазиначи. *Мулла Обиднинг хазинадори сифатида ақчани ўзи ушлаб, рўзгор керак-яроқларини ҳам ўзи тўғрилаб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ХАЗИНАХОНА** [a+ф-т] с. т. айн. хазина 1.

**ХАЗИНАЧИ** 1 Хазина бошлиғи, хазинани сақловчи, бошқарувчи шахс. *Хазиначилар сипоҳлар орқасидан икки отни етаклашиб, ҳудайчи ёнига етдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Муродхўжа домла Саидийнинг хазиначиси бўлгиси келар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. 2 с. т. Кассир. Колхоз хазиначиси.*

**ХАЗИНАЧИЛИК** хазиначи с. касб оти. *Орадан бир йил фурсат ўтар-ўтмас, у нашруёт хазиначилиғи — кассирлиғига кўтарилди. М. Назаров, Хазиначи. Саидғози кейинги йилларда «сийсатга аралашиб» юрди, бошланғич партия ташкилоти бюросига аъзо бўлиб, хазиначилик лавозимини эгаллади. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ХАЗОН** [ф-т] Кузда сарғайиб тўкила бошлаган барглр. *Кумуш .. кетма-кет чип-чип этиб тўкилмоқда бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга қўйя борди. А. Қодирий, Утган кунлар. Енгил шамол ўтди, хазон тўкилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Куз шамоли сарғайган барглрарни шитирлатар, ариқларда хазон уюмлари оқиб келарди. М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. Хазон бўлмоқ 1) сарғайиб, қуриб қолмоқ. Бу гул субҳ шабнамани ҳам кўрмай хазон бўлди. Ҳ. Зиёнонова, Биринчи мактуб; 2) кўчма азоб-уқубатда мажруҳ, яроқсиз бўлиб қолмоқ; адо бўлмоқ, маъв бўлмоқ. Революциядан илгари, айниқса хотинларнинг кўргилиги қаттиқ, кўплари ёшлигида хазон бўлар эди. М. Алавия, Севинчларим. Хазон қилмоқ 1) қуритмоқ, сўлитмоқ; 2) кўчма маъв этмоқ, йўқ қилмоқ; қирмоқ. Қир томондан ногаҳонда бўри ёки қоплон чиқиб, бир талай кўй-қўзини хазон қилиб кетганини билиб қоласан. Й. Муқимов, Қизилқум пахлавони.*

◆ **Хазон бўлгур!** қарғ. қуриб кетгур, ўлгур. *Кўпроқ нон бериб тинчитиб қўя қолишса бўлмас жанми, хазон бўлгурларни [деди отиний]. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ХАЗОНМАРГ** [ф-т] кам қўлл. айн. жувонмарг.

**ХАЗОНРЕЗ** [ф-т]: хазонрез шамол кеч кузда барг ва хазонларни учирадиган совуқ шамол. *Сарғиш барг билан қопланган дарахтлар ўзидан-ўзи шитирлаб, тиниқ ҳовуз бети жимирлаб узоқлардан кезган хазонрез шамолдан дарак бериб туради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ХАЗОНРЕЗГИ** айн. **хазонрезгилик**.

**ХАЗОНРЕЗГИЛИК** Барг, хазон тўкиладиган давр, кеч куз. *Хазонрезгилик бошланган. Майна .. чирт-чирт узилиб тушаётган олма баргларига қараб ҳаёл сурарди.* Ш. Тошматов, Эрк қўши. Агар жўхорицининг ҳаммаси пишсин деб қараб турсанг, кечикасан, чунки хазонрезгилик ва ҳайдов вақти яқинлашиб, ҳосилни йиғиштириб олиш учун вақт оз қолади. Айний, Эсдаликлар.

**ХАЗОНРЕЗЛИК** айн. **хазонрезгилик**. Бўлмаса ҳозир хазонрезликда бир-икки қоп хазон тўплаб ол,— деб маслаҳат берди афанди. «Латифалар».

**ХАЗОНЧИНАК** [ф-т] диал. Хазанак. Ниҳоят олма хазончинак бўлди. О. Ёқубов, Тилла узук. **Хазончинак** пахта вўзапоянинг у ер-бу ерида қолиб кетган, ерга тўкилган ҳосилдан йиғиб-териб олинган пахта. **Хазончинак қилмоқ** айн. **хазанак қилмоқ** қ. **хазанак**.

**ХАЙ** с. т. айн. **хайр** I 3. [Элмурод:] *Хай, майли, тирик жон нималарни кўрмайди! Нима бўлса кўраверамиз.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | «Майли», «яхшики», «хайриятки» каби маъноларда ишлатилади. — *Хай, хотин киши экансиз, эракк киши бўлганингизда бу тескари ташвиқотингиз учун соғ қўймас эдим,— деди Абдурасул.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ХАЙР** [а] I 1 Тиланчига, бева-бечораларга бериладиган садақа, эҳсон. **Хайр қилмоқ**. — *Афанди пастга тушган эди, у одам хайр сўради.* «Латифалар». Шаҳарда оқлар ва хайр сўровчилар қўпайган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Бировга қилинадиган холис ёрдам, яхшилик, яхши иш; саховат. *Сафар хайрсиз бўлмайди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Худо хайр(ингизни) берсин** мақсадингизга етинг, муродингиз ҳосил бўлсин. — *Э, худо хайр бергур,— деб қичқирди Абдурасул йўловчига,— бу ёққа бир қаранг!* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

3 модал с. Яхши, майли, хўп; нима бўлса бўлди. *Хайр, майли, одам жаҳл устида ҳар нарса дейди, мен бунга хафа бўлмайман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Тешабой Қудратга:] *Хайр, бу гапни қўйайлик, мен сизни бошқа тўғрида чақиртирувдим.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о. *Жоналибой менинг ўз уруғим, Бойим хайр деса кўёв қилайлик.* Пўлкан, Хасан батрак.

**ХАЙР** [а] II унд. с. Хайрлашганда, видолашганда айтиладиган сўз. *Хайр, биз кетдик.* — [Жамила:] *Хайр, Гофиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ХАЙРИХОҲ** [а+ф-т] Яхшилик қилишни истайдиган, қўллаб-қувватлайдиган; илтифотли. *Узоқ вақт ўтмай, Саидий ўзига бу одамларни хайрихоҳ деб ишонди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Қози:] *Мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага десангиз, холис хайрихоҳман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳеч қачон адабиёт бизнинг совет ада-*

*биётимиз сингари шунчалик кенг хайрихоҳ ва меҳрибон китобхонларнинг доирасига эга бўлмаган эди.* «Совет адабиёти». | Бирор кимсага ён босувчи, тарафдор; хомий. *Онахон тикка турар, ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига хайрихоҳ эканини сезгандай бўлар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХАЙРИХОҲЛИК** хайрихоҳ с. белги оти. **Хайрихоҳлик** қилмоқ (кўрсатмоқ). — *Ватанга боғлади меҳру муҳаббат, Қилиб кўп хайрихоҳлик бирла шафқат.* Ҳабибий. *Матлубанинг чашмадай тикиқ, мусоффо кўзларидан айни бир пайтнинг ўзиде ҳам хайрихоҳлик, ҳам садоқат, ҳам савол ифодаси акс этиб турарди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. *Тиллабувадан кейин сўзга чиққанларнинг бири камбағалчиликдан нолиб, яна бири ҳукумат деҳқонни яхши йўлга бошлайди, деган қаттиқ ишонч билан колхозга хайрихоҳлик кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАЙРИХОҲОНА** [а+ф-т] Хайрихоҳлик билан қилинадиган, қўллаб-қувватлайдиган; илтифотли. *Васвасаланишининг ўрни йўқ, ундан сўнж ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга .. муҳтожман.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. *Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларе таҳсин аралашса, қулоққа фақат таҳсингина киради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХАЙРИЯ** [а]: **жамияти хайрия** эск. тар. моддий ёрдам уюштирувчи жамият.

**ХАЙРИЯТ** [а] модал с. Гап таркибида келиб, гапдан англашилган маънога муносабатни, мануниликни ифодалайди. [Бой:] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил сугургандай, жўнгина битди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Мен Зиёдахонни ҳам урармикан деган эдим.* *Хайрият урмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАЙРИЯТКИ** [а+ф-т] айн. **хайрият**. *Хайриятки, Мунисхон сўзини давом эттирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. — *Хайриятки,— деди Нормурод,— қавушим оёғимдан чиқиб, ўзимдан бурун чуқурга тушган экан, бўлмаса нобуд бўлар ва уни яматини учун бир-икки сўм ҳам кетарди.* Айний, Қуллар.

**ХАЙРИЯТЛИК** Хайрли иш, яхшилик, эзгулик. *Мана жаноблар, юмшоқликдан хайриятлик чиқмайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ХАЙРЛАШИЛМОҚ** хайрлашмоқ *фл. мажж. ва ўзл. н.* Ҳамма кузатиб чиқади. *Хайрлашилган товушлар. Машина жўнайди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ХАЙРЛАШМОҚ** Ҳазро яхши истаклар тилашиб ажралишмоқ; видолашмоқ. *Қўл бериб хайрлашмоқ.* — *Эрта-индин келишга вағда бериб, [Йўлчи] чол билан хайрлашди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ошдан сўнж меҳмонлар хайрлашиб [уйдан] чиқди.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. *Дунё (ёки олам) билан хайрлашмоқ* вафот этмоқ, ўлмоқ. *Воҳид*

*бойнинг қўлида у шўрлик бош .. Дунё билан хайрлашди, юмди кўз.* М. Ала-вья.

**ХАЙРЛАШУВ** I хайрлашмоқ *фл. иш оти.* *Элмурод хайрлашуви ҳам ёддан чиқариб, қозикдан панамани олганича қисмга чопди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

2 Жўнаб кетиш муносабати билан уюштириладиган, хайрлашишдан олдинги. *Хайрлашув концерти.* *Хайрлашув гастроллари.* — *Яна бир илтимос: кетишингиздан бир кун аввал кичкинагина хайрлашув кечаси қилинг. Мен дадам билан одамни олиб бораман,— деди Гулноз Йўлдошга.* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

**ХАЙРЛИ** Яхши хусусиятга эга, хосиятли; яхши, ижобий. *Хайрли тун.* *Хайрли шининг кечи йўқ.* Мақол. — *Одамнинг шоввози кўриқ очади.* *Майли, хайрли ишга бел боғлабсан, бахтинг ёр бўлсин.* Ҳ. Назир, Васият. *Наврўзнинг яхши бошланishi йилнинг хайрли бўлишидан нишона.* «С. Ўзбекистон», 1967, 17 ноябрь. [Далло:] *Бу боланинг отини эшитдингизми? Оти Некқадам.* «Некқадам» қадими яхши — *хайрли* демакдир. Айний, Қуллар.

**ХАЙР-МАЪЗУР** [а] Хайрлашмиш пайтида эзгу тилаклар билдириш, хайрлашмиш. «*Хайр-маъзур, яхши қолинг, яхши боринглардан кейин поезд жўнаб кетди.* — *Автобус Асакада келач, Пўлатжон у билан хайр-маъзур қилишни унутиб, этик мойлатгани кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. — *Хуш қолинг, опа! — деди арқон белбоғли одам.* *Бошқалар ҳам хурсанд ғовурлашиб, хайр-маъзур қилишди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Хайр-маъзурни насия қилмоқ** ҳазил учрашмай, хайрлашмай кетиб қолмоқ. *Борди-ю, унинг шу юриш-туриши расиса ёқмас экан, хайр-маъзурни насия қилиб кетаверади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ХАЙР-САДАҚА** [а] Хайр ва садақалар, садақа, эҳсон.

**ХАЙР-ХУШ** айн. **хайр-маъзур**. *Хайр-хўш овозлари тинч кўча осмонига кўтарилди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Олла-берганов .. хайр-хўш дейишни ҳам унутиб, оғзи ланг очилганча, тик туриб қолди.* «Муштум», 1961, № 12.

**ХАЙР-ХУШЛАШМОҚ** айн. **хайрлашмоқ**. *Уй эгаси билан хайр-хўшлашиб, шаҳарга қараб йўналдик.* Айний, Эсдаликлар. *Йигитлар у [меҳмон] билан хайр-хўшлашиб, ишларига кетишди.* С. Аҳмад, Чўл оқшомларни.

**ХАЙРЧИ** I с. т. Хайр-садақа сўровчи; тиланчи, гадои. [Эшон:] *Бир хайрчининг боласини боқиб олган эдик.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 эск. Жамоат эҳтиёжи учун хайр-эҳсон тарзида маблағ йиғувчи.

**ХАЛА** [ф-т] I айн. **халачўп**. **Хала қилмоқ** I) халачўп жамоқ. — *Утган-кетган йўловчи тўғри келган ниҳолни синдириб, шашига хала қилади.* Н. Са-

фаров, Катта карвон йўлда; 2) тезроқ юргизиш учун халачўп ёки оёқ билан ниқтамоқ. *Кўзибой эшакни хала қилавериб оёғи чарчагани .. учун пастга тушиб олди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Хала урмоқ** 1) айн. хала қилмоқ 2. *Бозордан қайтаётган бир чол эшагига хала уриб, едириб етиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) *кўчма бирор ишни амалга ошириш, жилдириш учун қистамоқ, шўширмоқ.*

2 Санчиқ, қаттиқ оғриқ. **Хала турмоқ** санчиб оғримоқ. *Биқинимга хала туриб қолди.*

3 *кўчма* Бирор ишни амалга оширишда лозим бўладиган туртки; тезлатувчи омил. *Шўрвага йиқилинг, домла, иззаталаб бўлиб, ўзи чақиринишни кутиб юрсангиз, ёвгонсираб ўласиз.* Хала керак, хала. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ХАЛАКАШ** [ф-т] Довмо хала, ниқташ билан юрадиган (эшак, от ҳақида). ■ *Ишрат девона (деган девона бор эди. Бир чуевури бор эди — халакаш. Хала қилса дингиллар эди. «Равшан».*

**ХАЛАЛ** [а] Бирор иш-ҳаракатни амалга оширишни қийинлаштирадиган сабаб; монелик, қаршилик. *Халал етказмоқ.* ■ *Очилди йўл адабиёт учун синиб ғовлар, Тўсолмас энди биров, кўрмагай халал қаламим. Ҳабибий. Бош мақолада .. баъзи зеюнолар социалистик мусобақа ўрнига рақобат қилишиб, бир-бирларининг ишларига халал бераётганликлари алоҳида қайд қилинган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Кумушининг уйидан кети узилмай келиб турган хотинларнинг гўнғир-гўнғирлари ҳам унинг [Отабекнинг] уйкусига халал берар .. эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХАЛАТ** [а] Қийим устидан кийиладиган яланг қават енгил иш кийими. *Оқ халат кийган доктор қиз энашиб беморни қараяпти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ХАЛАТБОП** Халатга мос, халат тикишга ярайдиган. *Халатбоп мато.*

**ХАЛАТЛИ** Халат кийган, халати бор. *Кўк халатли сотувчи. Оқ халатли врач.* ■ *Шербек ҳам ҳу анави бурчакдаги столда дам-бадам микроскопга қараб, дафтарга фикрларини ёзаётган оқ халатли йиғитга ўхшаш лабораторияда кечаю кундуз ўтириб, диплом ёзган.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАЛАТЛИК** айн. халатбоп. *Халатлик газлама.*

**ХАЛАФ** [а] эск. кт. айн. ворис.

**ХАЛАЧЎП** [ф-т] Эшак, туя каби хайвонларни ниқтаб тезроқ юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча; хала. [*Хўжараҳмон*] эшагига халачўп ботириб, «их» деди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Абдуқарим темирчи қўлидаги халачўпни найза қилиб, чап томонда оқаётган сойни кўпсатди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХАЛАҚИТ** [а] айн. халал. *Ишлашга халақит бермоқ.* ■ *Бу шум ёлгончилик ростликка терс, ишга халақитдир. «Муштум», 1959, № 14. Бунинг тинч*

*ҳамкорлик қилишимизга ҳеч қандай алоқаси, халақити йўқ.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 266. *Чақиринг болаларингизни, бемалол ўйнай беришин. Бизга халақит беришмайди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХАЛИФА** [а] 1 тар. Мусулмон феодалий ҳукмронининг унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний шахс; Мухаммад пайғамбарнинг вориси, ўринбосари. *Лекин [Тангриқул ҳожи].. халқ орасида «халифаи Рум Бухорога келди, Эргаш кўрбоши бориб, мусулмонбод йўлида газот қилгани халифадан фотиҳа ва юз минг сарбоз олиб келди», — деб гап тарқатипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Абдушукур давом этди сўзида: — Бутун олами исломнинг халифаси Султон ҳазратлари бу урушда танҳо қолдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Бухоро хонлигида: шариат ақидаларининг бажарилишини текшириб турувчи мансабдор шахс. *Абдураҳмон сардор кейинги чойнакни бўшатгандан кейин, қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради.* Айний, Қуллар.

**ХАЛИФАЛИК** 1 халифа 2 с. касб оти. *У етти йил халифалик қилди.*

2 Халифанинг мансаби ва унвони. *Халифаликдан воз кечмоқ.*

3 Мусулмон феодалий мамлакатларда олий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўладиган давлат тузуми. *Араб халифалиги. Бағдод халифалиги.*

**ХАЛЛОҚ** [а] дин. Худонинг эпитетларидан бири; яратувчи. **Халлоқи олам** оламини яратувчи, худо. *Жабраил.. «Халлоқи олам одам яратмоқни ихтиёр этипти», — [деди].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Маълумки, мулла Ҳаким, эркакни қариди, кексаиди, деб бўлмайди. Чунки халлоқи олам ўз қудрат қалами билан эркакни асл, пухта яратган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАЛО** [а] с. т. Ҳоҳатхона. *Бозор аминнинг капаси олдига ўн олти-ўн етти яшар бир бола қўлида обдаста билан, унинг халодан қайтишини кутиб турмоқда эди.* Айний, Қуллар.

**ХАЛОЖОЙ** [а+ф-т] с. т. Ҳоҳатхона.

**ХАЛОЙИҚ** [а] Одамлар халқ. [Гули:] *Қимми бўлса инсон, бўлса одам, Халойиқнинг ғамин ейдур дамо-дам. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Турғунбой тобут олдига келди-да, халойиққа қараб еапирди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Дўппи тикдим чиройлик, Ака бошинга лойиқ, Қийиб чиққин биз ёққа, Қўриб қўйсин халойиқ, Т. Тўла.*

**ХАЛОС** 1 [а]: халос бўлмоқ озод бўлмоқ, қутулмоқ. *Дардан халос бўлмоқ.* ■ — *Сўнги амирдан халос бўлибмиз-да! — кулиб қўйди Бўронбек.* Ҳ. Ғулум, Машғал. *Боринги, ҳаммамиз ҳам бирон бемаза одатимиздан халос бўлдик, бирон яхшилик орттирдик.* А. Мухтор, Тўғлиш. **Халос қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) озод қилмоқ, қутултирмоқ; қутқармоқ. *Армиямиз тез кунда Талқон этар душмани;*

*Ёвдан халос этгаймиз Бул жонажон гулианни. 3 Днёр; 2) кам қўл. айирмоқ, ажратмоқ, жудо қилмоқ.* — *Бизга хунук хабар келтирган бу жувонмаргарларнинг хом каллаларини таналаридан халос қил! — деди Мардонбек Шерматга.* С. Азимов, Биринчи фасл.

**ХАЛОС** 1 [а] юкл. Маънони ажратиб, чегаралаб таъкидлаш учун қўлланади; фақат, фақатгина. *Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас; боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди, халос.* А. Қаҳҳор, Қўшлар. *Гар ишонсанг айтган сўзимга Сен бўлганда менинг кўзимга Ҳеч бир нарса кўринмас халос.* Х. Олимжон.

◆ **Ана халос!** кутилмаган ҳаракат, ходиса ва ш. к. юз берганда таажжубни ифодаловчи ундов. *Ана халос! .. Раис — правлениенинг боши, бригадир — правлениенинг қўли; бош қўлининг оғриганини билмаса, .. бу қандоқ бўлди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАЛОСКОР** [а+ф-т] Халос қилувчи, озод қилувчи, қутқарувчи. *Аҳоли жангчиларни, ўз халоскорларини, вайрона қўлбаларга, ертўлаларга таклиф этади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Москваи сеамиз, чунки Москва Мазлум шарку ғарбни халосқоридир.* Ғ. Ғулум. *Балки мени ўша офатдан қутқариб олган, ном берган одам шу чолдир? Фақат, у кезлар, халоскорим ишингда эди.* Ҳ. Умарбеков, Бобоён-ғоқ.

**ХАЛОСКОРЛИК** халоскор с. белги оти. *Совет Армияси ўзининг халоскорлик бурчини ўтаб, тинчлик ва демократия кучларининг қатта ишончини ва зўр умидини оқлади.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, 9 май.

**ХАЛОХОНА** [а+ф-т] айн. ҳоҳатхона.

**ХАЛТА** [ф-т] 1 Кичкина қоп, қопчиқ. *Сурп халта. Чарм халта. Қоғоз халта. Сузма халта. Ун халта.* ■ *Болалар ёпишавергач, [кампир] халтани очшига мажбур бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Тушликка занг урилганда Зокир ота нон халтасини кўтариб, одатдагича, қўшни бригададаги ўртоғининг олдига ўтиб кетдию, ишга занг урилганда ўзидан ўзи жавраб, сўжиниб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Сенга атаб қўйган узумларим халта ичида шира боғлаб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Озиш туфайли киши баданида, кўпинча юзида, салқиб, осилиб қолган терн. — *Кўнгил ўлсин, илойим. Жағида жағ қолмай, лунжи халта бўп кетса ҳам, йигитман дейди, — деди кампир.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Матқовул ўғлини қўлига қўз тағлари халта бўлиб.. ётган кўнсуз юзидан чўпиллатиб-чўпиллатиб ўнди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Қодиров] юзлари, қовоқлари ишииб, кўзларининг остида халта пайдо бўлган эди, чунки у тун бўйи мижжа қоқмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Қи-

Йимнинг нобот тикилиши ёки гавдага ёпишиб турмаслиги туфайли осилиб, салқи бўлиб турган жойи. Унинг эгиндаги якка бортли шевиот костюм.. кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 зоол. Баъзи хайвонларнинг ёш боласини солиб кўтариб юришига мосланган қорни остидаги халтасимон тери қатлами.

◆ **Халта кўйлак** ёқаси кўндаланг очилган, елкадан боғичлаб кўйиладиган, одатда муллалар киядиган кўйлак.— *Тепамда халта кўйлакли . . . домла почтам турар эди,— деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола. **Халта палов** қ. палов.

**ХАЛТА-ХУЛТА** Ҳар хил халталар. [*Салимбойвачча*] *атторлик растасида энг қоронги, энг кичкина бир дўконда мингларча халта-хулталардаги шубҳали дору-дармон ва ҳар нав заҳар-заққум орасида ўтирган.. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАЛТАЧА** 1 Кичик халта. [*Тошкентлик мардикор*] *иштонининг липтасига қистирилган кир бўз халтачани — ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўкди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ундан кейин каштали рўмолча, маҳорка халтачаси тикиши кимнинг қўлидан келмайди?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *айн. халта* 2. *Чолнинг ранглари саргайиб, кўзларининг остида халтача пайдо бўлган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *махс.* Ҳайвон ва ўсимлик организмдаги халтасимон қисм. *Юрак халтачаси.* Муртақ халтачаси.

**ХАЛТУРА** [а] Пала-партиш, наридан-бери, чуқур ўйламай, тушуниб етмай қилинадиган юзаки, хом иш. *Шаҳарларни бадиий жиҳатдан безашда тартиб ўрнатили, бу соҳада халтурага қарши шафқатсиз кураш олиб бориш керак.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 292. || *Турмушдан ажралиб қолган баъзи адабиётчилар уйдирма конфликтлар излаб, халтура асарлар ёздилар.* «Совет адабиёти».

**ХАЛТУРАЧИ** Пала-партиш, наридан-бери иш қилувчи; ишни юзаки бажарувчи киши. [*Салимов:*] *Сени халтурачи ҳам дедими ҳали?* М. Бобоев, Ғўзаллик истаб.

**ХАЛТУРАЧИЛИК** халтурачи с. маъ. от. Халтурачиликка қарши курашмоқ.

**ХАЛФА** [а] эск. 1 Шарнат ақидаларини яхши билладиган одам; ўқинишли одам.— *Ишқилиб халфанинг даъвосини ёлғонга чиқаришга ҳаракат қилди..— деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Турдибой халфа ўз ҳовлисида иш бошлаган ўқитувчига катта ҳурмат билан қараганини ишора қилиб, у билан эгилиброқ кўришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски мактабда ўқувчилар орасидан бошлиқ қилиб тайинланган, домлага кўмаклашадиган ўқувчи. *Курс-*

*дошлари унга [Умидга] таажжуб билан қарашарди.* Инглиз тили муаллими баъзан уни курсга «халфа» қилиб ҳам қўярди. Мирмуҳсин, Умид.

3 Бирор кишига қарам бўлган ҳолда ишлайдиган, мустақил иш юритишга ҳуқуқи ёки имкони бўлмаган уста, хунарманд шоғирд. *Унга, ўн беш ёшидан бошлаб, аввал шоғирд, кейин халфа, сўнг мустақил уст сифатида то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун, унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Отам маҳалладаги бойга халфа тушиб бўз, алак, беқасам тўғий бошлади.* Ё. Шукуров, Қасос. *Ҳозирги замонда қандай ҳам иш бўларди! Бурунгидек халфа ишлатиш йўқ.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ХАЛФАЛИК** халфа 2, 3 с. касб оти. *Ўн уч ёшида мактаб программасини битириб, ёш бўлса ҳам, Анвар халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Халфалик — гоёт мушқул иш.* Халфанинг боши қарздан чиқмайди. И. Каримов, Атлас жилваси.

**ХАЛҚ** [а] 1 Бирор мамлакат ёки давлат аҳолиси. *Совет халқи.* *Ўзбекистон халқи.* — Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига хизмати билан ўлчанади. Шухрат, Шинелли йиллар. *Халқлар шурдаси етук сўз айтар, Озод инсоният ҳукмида минбар.* Ғ. Фулом. *Морозов ротаси халқ лашкарлари кавлаб қўйган окопларга икки эвзодни жойлаб, қолган икки эвзод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | СССРдаги баъзи муассасалар, лавозим номлари таркибида ишлатилади. *Халқ маорифи.* *Халқ суди.* *Халқ контроли.* — *Ҳозир у «жениотел», лекин ҳали ҳам суд бўлимида хотин-қизлар ва оила ишлари бўйича халқ маслаҳатчиси, жамоат қораловчиси бўлиб ишлайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Баъзи фахрий номлар таркибида қўлланади. *Ўзбекистон халқ шоири.* СССР халқ артисти.

2 Миллат, элат. *Рус халқи.* *Ўзбек халқи.*

3 Жой билдирувчи сўзлар билан келиб, ўша жойда турувчи аҳоли, ўша ер аҳли маъносига ишлатилади. *Қишлоқ халқи.* *Шаҳар халқи.* *Хоразм халқи.* — *Сидиқжоннинг назарида, бу иш учун фақат шу ердаги одамларгина эмас, бутун район халқи жон куйдираётгандай кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [*Отбек:*] *Энди бизнинг Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми.. остида ётиб жуда тўйди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Касб, машғулот ёки тоифа, табақа билдирувчи сўзлар билан келиб, ўша касб, табақага мансуб кишилар гуруҳини билдиради. *Меҳнаткам халқ.* *Савдогар халқи.* *Ўқитувчи халқи.* — *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси*

*деярли Мусулмонқул даккисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Фақир халқнинг фарзандлари алифбега зор.* Ойбек, Нур қидириб.

5 Бирор жойга тўлланган одамлар; халойиқ, оломон. *Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ орасини ёриб, олдинга ўтди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Халқ гувиллаб олдинга юрди, уни миришлар гови тўсиб олди.* М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Халқ мажлис бўлаётган қизил чойхона атрофида айланиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАЛҚАРО** [а+ф-т] 1 Халқлар ёки мамлакат ўртасидаги муносабатга доир. *Халқаро сўбат.* *Халқаро ҳуқуқ.* *Халқаро аҳвол.* *Халқаро вазият.*

2 Халқлар ўртасида мавжуд бўлган, халқларга оид; интернационал. *Халқаро хотин-қизлар байрами.* *Ишчилар синфининг халқаро бирлиги.* — *Совет ҳокимиятини вужудга келтириши билан биз пролетариат диктатурасининг халқаро, бутун жаҳон формасини топиб олдик.* В. И. Ленин, РКП(б) VIII съезди.

3 *позт.* Кишилар ўртасида; халқ ичида. *Бўлмасин деб ошқора рози диллар халқаро, Айлабон рамзи ишорат махфи имлашким келур.* Муқимий.

**ХАЛҚАРОЧИ** 1 Халқлар ёки давлатлар ўртасидаги муносабат, ҳуқуқ, сиёсат ва ш. к. масалалар бўйича мутахассис. *Халқарочи лектор.*

2 Халқлар дўстлиги учун курашадиган одам. *Биз, халқарочилар, интернационалистлармиз.* В. И. Ленин, Украина ишчи ва деҳқонларига хат.

**ХАЛҚОБ** [ф-т] Чуқур жойларда туриб, йиғилиб қолган сув. *Халқобдан сакраб ўтмоқ.* || *Халқоб сув.* — *Сувингиз ҳамма эгатлардан бир илдида оқяпти.* *Халқоб жойлари кўринмайди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Гулсанам бирдан халқоб бўлиб, кўлга ўхшаб ётган сувнинг олдидан чиқиб қолди.* Ойдин, Гулсанам. *Бўз ер-да, неча минг йиллардан бери кўксидан сув думаламаган ғовак ер, сув босиши билан чўкиб, халқоб бўлиб қола бошлабди.* Ш. Тошматов, Бахт бўстониға.

**ХАЛҚОНА** [а+ф-т] Кўпчиликка, халққа хос; оддий кишилар, халқ ишлатадиган. *Халқона иборалар.* — *Биз.. уни [Ғафур Ғуломни] оддийгина қилиб «Ғафур ака» деб атай олишимиз билан фахрланамиз.* Бу халқона, самимий яқинлик сўзи.. ҳамон оғзимиздан тушмайди. А. Мухтор, Бебаҳо хазинамиз.

**ХАЛҚПАРВАР** [а+ф-т] Халққа ғамхўрлик қиладиган, халқ манфаатини кўзлайдиган; халқни севадиган. *Ҳасан сўфи билан Алим бува . . . халқ ғамини ўз ғамидан ортиқ кўрадиган, халқ манфаатини ўз манфаатидан ортиқ кўрадиган халқпарварга зориқ эдилар.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Халқпарвар давлатим-панозим,*

Ҳар доим, ҳар доим, ҳар доим. С. Абдулла.

**ХАЛҚПАРВАРЛИК** халқпарвар с. белги оти.

**ХАЛҚЧИ** эск. айн. народник. Ота-боболар ва уларнинг ғоялари масаласига келганда, шунини айтмоқ керакки, рус халқчиларининг эски назариялари ҳар қанча янглиш, ҳар қанча ҳаёлий, бўлмасин, ҳар ҳолда улар ҳалигидек «юмшоқ либерал ислохотларга мутлақо терс қараб келганлар. В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар.

**ХАЛҚЧИЛИ** Халқ билан чамбарчас боғланган, халқ руҳи, маданияти ва дунёқарашига мос келадиган. Халқчил адабиёт. — Дорбозлик чинакам халқчил санъатдир. Ш. Ғуломов, Дорбоз.

**ХАЛҚЧИЛИК** Бирор халққа доир хусусият, ҳислат, фазилатлар мажмуи. Халқчилик ғоялари.

**ХАЛҚЧИЛИК** халқчил с. белги оти.

**ХАЛҚЧИЛИК** Бирор халққа доир хусусият, ҳислат, фазилатлар мажмуи. Халқчилик ғоялари.

**ХАЛҚЧИЛИК** халқчил с. белги оти. Ёзувчи асарларининг халқчилиги. — Рус адабиёти ва санъатидаги партиявийлик, жанговарлик, халқчилик кўп миллатли халқлар адабиёти, санъати учун намунадир. «Қ. Ўзбекистон», 1964, 7 март.

**ХАЛҚЧИН** с. т. Халқчил.

**ХАЛҚЧИНЛИК** с. т. Халқчилик.

**ХАМ** [ф-т] Пастга эгилган, қуйи солинган. Мевали дарахтнинг боши хам. Мақол. Боши (ёки қалласи, бўйни, гардани) хам хижолатдан, уятдан боши қуйи солинган. У [Дилбар] қўлидаги ўтти зарда билан четга улоқтириб, ўзи қизлар тўдасига келиб ўтирди. Ҳаманинг боши хам. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Анча вақт бўйинини хам қилиб юрдим. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ХАМАК** [ф-т] Ҳали пишиб этилмаган хом қовун; сапча. Бундай кезларда хазанак бўлган полздан топилган хамак ҳам, пайкал кесагида ёриб ёйдан туйнак ҳам ширин бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ХАМЕЛЕОН** [р<ерек] 1 айн. буқаламун.

2 кўча Уз фикри ва қарашларини вазиятга қараб ўзгартирувчи, принципсиз киши. Очумелов икки юзламачи, лаганбардор, шароитга қараб ўз ҳолатини тез-тез ўзгартириб турувчи типик «хамелеон» образидир. «Ватан адабиёти».

**ХАМИР** [а] 1 Одатда унни сув ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ чўзилувчан қорншма. Хамир қормоқ, Хамир қилмоқ. Хамир оширмоқ. || Хамир тоғора. — [Жондор] хамири нуқул қаймоққа қорилиб, оғизда эриб кетувчи оплоқ патири нонларни, мехмоннинг эътирозига қарамай, ушатиб ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Шербек кўрадан кўнгли ғаш бўлиб уйларига келганда, онаси ўноқ бошида хамир ийлаётган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Нон хамир нон ёпиш учун мослаб қо-

рилган хамир. Ош хамир норин, угра каби овқатлар учун қорилган пишиқ хамир.

2 махс. Хамирсимон қоришма. Гани хамири.

◆ **Хамирдан қил суғургандай** осонлик билан, осонгина; ташвишсиз. Ҳар ҳолда ҳамма иш хамирдан қил суғургандай, ими-жиммида ҳал бўлди.

Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Хамири ачиб феъли айниб, кайфи бузилиб. Қараб турсам, ўртоғимнинг хамири ачиб, кайфи ланж тортиб кетяпти. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Хамири ачимаган бирор иш-харақатни жуда секинлик билан бажарадиган, беғам, суст, имиллаган. Оббо хамири ачимаган-эй, туша қолмайсанми энди? Н. Сафаров, Қурбонали. Хамир учидан патири қ. патири 1.

**ХАМИРГИР** [а+ф-т] Хамир қорувчи ишчи, мутахассис. Жўраларнинг бириси нон заводда хамиргир, Бириси халқ артисти, сўзлари хандон писта. Ғ. Ғулом.

**ХАМИРСИМОН** Хамирга ўхшаш, юмшоқ. Хамирсимон масса.

**ХАМИРТУРУШ** [а+ф-т] 1 Хамирни ошириш учун ишлатиладиган ачитқи. Бир тоғора хамирни бир бурда хамиртуруши этиштиради. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўча Ўғит, гўнг. Ер — хамир, ўғит — хамиртуруш. Мақол. — [Ерини] яхши кўчишининг боиси бор эди. Хамиртуруш жойида эди. Х. Нурый, Яшил хирмон. Ерни семиртириш, кучини ошириш, бақувват қилиш учун тупроққа ҳам ўзига хос хамиртуруш керак. Х. Нуруллаев, Химиямиз гиганти.

3 кўча Бирор нарсанинг бошланиши, юзага келиши ёки амалга ошиши учун асос ёки дастак бўладиган омил, пойдевор. Бу.. давлатингизнинг боши — хамиртуруши қаердан пайдо бўлди? Айний, Доғунда. — «Яхшидан бог, ёмондан доғ», — деганларидек, ҳозирги.. богмиза илк хамиртуруш ташлаган, қўлинг дард кўрмагур, шу ота бўлади, — деди раис. М. Назаров, Жилвон жилвалари. Аъзамжон тўй қиламан, деб, шу кунларда камхаржроқ бўлиб юрдиди. Омонат дафтарчасида ҳам хамиртуруш қолган, холос. С. Аҳмедов, Бизнинг ёрни кўрган борми?

**ХАМПА** 1 Дон, ғалла ва ш. к. қўйиш ва сақлаш учун қурилган махсус жой; кандик. Хампага бугдой тўлдирилган эди. — Бир кун оморда қараб турсам, хампанинг бурчаги камар бўлиб қолди, шувиллаб кетяпти, қани энди тўхтаसा. С. Маҳкамов, Шогирд.

2 махс. Тегирмон қурилмасининг тортиладиган дон солинадиган қисми. Айланаётган тегирмон тошлари орасига хампадан бугдой тўкилиб турар эди. | с. т. Айрим! дехқончилик машиналарининг сепиладиган уруғ, ўғит ва ш. к.ни ортиб юрадиган яшиксимон қисми. — Шу хампани беш юз кило-

грамм чигит сиғадиган қилиб ясаб беринг, ўн минутда чигит тугаб қолиб, хуноб қиялпти, — илтимос қилди у. Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас.

**ХАМР** [а] эск. айн. май II.

**ХАМСА** [а] ад. Беш достонни ўз ичига олган асар. Навоий хамсаси.

**ХАМСАНАВИС** [а+ф-т] Хамса ёзувчи шoir.

**ХАНДА** [ф-т] поэт. Кулги, табасум. Ханда қилмоқ (айламоқ). — Кўз ёшинг-ку кўп нафис, гўзал. Билки, ханда ёшган йигитдан афзал! Шайхзода. Биламан, ҳамшаҳарим ташвишли, бедор. Ва лекин лабида аския, ханда. М. Бобоев. Яна кўнглим олиб, юз ноз бирла хандалар қўлдинг. Завқий.

**ХАНДАҚ** [а] 1 Душман ўтолмаслиги учун қазилган катта узун чуқурлик. Ўша пайтда мамлакатни ёвдан сақлаш учун шаҳарнинг ташқарисиди хандақ қазиб қўйилар эди. «Эртақлар». Жанг бўлган ерлардан ўтиб борардим, На битта окоп бор, на битта хандақ. Шухрат. | Ўқлардан, бомба ёки снаряд парчаларидан сақлиниш учун қазиладиган энсиз чуқурлик; окоп. Ҳаво тревогаси бошланди. Чернецов босиқ овоз билан: — Хандаққа киринг! — деди! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор нарсани асраш, сақлаш ва ш. к. мақсадда қавланган чуқурлик, ўра. Ҳар бир бригадда катта хандақлар қазилади. Эрта куздан бошлаб.. гўнг, қўй қийи ташиб келтирилиб шу хандақларга тўпланди. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 14 декабрь. Азамат экскаваторлар хандақ қазиб, ихота қурди, шамолнинг йўлини тўсди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

**ХАНДОН** [ф-т] Шўхлик билан қулувчи, кулиб турувчи. Хандон чезралар. Болалик уй хандон, боласиз уй зиндон. Мақол. — Шаҳримиз кўчалар, йўлларга тўла, Саф тортиб ўтади хандон болалар. Ғ. Ғулом. [Навоий:].. Мени девона қилган нозанин ҳур,.. Юзи гул, лағли хандон, тишлари дур. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Хандон ташлаб (ёки уриб) кулмоқ қаттиқ кулмоқ, қаҳқаҳа отиб кулмоқ. Одамлар уйни бошларига кўтарар даражада хандон ташлаб, қаттиқ кулдилар. Айний, Эсдалкилар. Санам хандон уриб кулди. Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

◆ **Хандон писта** чақилган, пўчоги уч томонидан ёрилиб мағзи кўриниб турган писта.

**ХАНДОН-ХУШОН** [ф-т] Қуладиган ва бошқаларни қулдирадиган; шўх, хушчақчақ. У кетгандан кейин, ҳўди бутун ҳовлини тўлдириб хандон-хушон сўхбат қилиб ўтирган бир талай мехмон бирдан чиқиб кетгандай, ҳовли хувиллаб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Тротуарлар, кинотеатр олдилари, ҳамма-ҳаммаси гағжум.. Хандон-хушон ёш-яланг виқор билан сайр қилади. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида.

**ХАНЖАР** Икки томони тигли пичоқ,



дудам. Хотин лаган билан уйга қилиб кетгач, [Отабек] ичидан тақилган ханжарини қиңидан сугури олди-да, даммини ойдинга солиб боқди. А. Қодирий, Утган қушлар.

**ХАНЖАРБОЗЛИК** Ханжар ишлатиб жанг қилиш ёки урушиш. Ханжарбозлик қилмоқ. — Маст бўлиб ханжарбозлик қилган авбошларни олиб кетмоқдалар. Ойбек, Навоий.

**ХАНЖУВАР** Қовун, тарвуз, ошқовоқ ва ш. к.нинг уруғини гўнг солиб экиш учун қазилган чуқурча. Ханжуварни кўймоқ. Қовунни ханжувар қилиб экиш. Ханжувар қилиб экиш махсус қазилган чуқурчага гўнг солиб, уруғни кўмиб экиш, кўма қилиб экиш.

**ХАНТАЛ** [а хардал] 1 Майда сариқ гулли, кўзоқ мевали ўсимлик.

2 Шу ўсимлиكنинг уруғи ва ундан овқатга солиш учун тайёрланган ачиқ доривор; горчица. Нонга хантал суриб ёмоқ. — Нахотки ханталдан ҳолавитарни фарқ қилмаган бедид пазанда қайла тиширишни ўргатса. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ХАНФА** Нонвийоналардаги хамир қорадиган ва оширадиган катта идиш; хамир тоғора. Юз тоннали ханфада хамирлар гупуради. Ғ. Ғулом.

**ХАПМАТ** диал. Аёлларнинг ранг-баранг майда мунчоқ, маржон, нозик, садаф ва ш. к.дан тизиб ясалиб кўракка тақиладиган махсус безаги. Хапматни ярқираб Келиной кирди ўтовга. «Кўшиқлар».

**ХАПРИҚМОҚ** диал. Ҳовлиқмоқ. Юрак хаприқади ҳаяжон билан, Қизга айтмоқ бўлар дилда борини. Ж. Жабборов. — Юрагим хаприқиб, ўрнимдан қандай туриб кетганимни билмай қолдим, — деди Уққун. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

**ХАР** [ф-т] 1 кам қўлл. айн. эшак. 2 унд. Эшакни ҳангратишга ундашни ифодаловчи сўз.

**ХАРАЖАТ** [а] Бирор нарса учун қилинадиган сарф; чиқим. Катта харажат. Ош харажатлари. Харажат қилмоқ. — [Йўлчи].. белбоғидан ҳовли пулини чиқариб санади. Аяб-тежаб харажат қилгани учун ёнида яна ўн беш сўм қолган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАРАЖАТЛАМОҚ** Харажат қилмоқ, сарфламоқ. Озгина пул харажатласак, бир ҳафтагача декчамиз биқирлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАРАК** [ф-т] Дутор, танбор каби чолғу асбобларининг ипн ёки симларини кўтариб туриш учун ишлатиладиган тиргак; эшак. Дутор хараги. Рубоб хараги. — Сизни ранжитган одамлар ҳар қанча қорин солиб керилмасинлар, барибир, танбуригизга харақ ҳам бўла олмайдилар. Мирмуҳсин, Созанда.

**ХАРАКТЕР** [р < ерек] 1 Инсон хулқи ёки ахлоқида намён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар мажмуи; феъл-атвор. Харақтери юшиоқ одам. Унинг

харақтери нозик. — Айниқса қуйида зикр қиладиган ҳолимиз бу икки опасинглининг харақтеридаги фарқларни очиб кўрсатиш учун етадир. А. Қодирий, Утган қушлар.

2 Бирор нарсанинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони. Социалистик мусобақанинг ижодий харақтери.

3 Адабиёт ва санъатда: бирор группа кишиларнинг тнпик, умумий хусусиятларини ўзида мукассамлантирган образ; тип. Ф. Энгельснинг реализм ҳақидаги машҳур таърифида реалистик методнинг зарурий шартларидан «типилик шароит» ва «типилик харақтер» билан бир қаторда «ҳаққоний деталлар»нинг бўлишини таъкидлаши бежиз эмас. М. Исроилов, Драматургияда деталъ.

**ХАРАКТЕРИСТИКА** [р] 1 Бировнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти акс эттирилган расмий ҳужжат. Партиявий харақтеристика. Харақтеристика бермоқ. — Саидий ўзининг дорилфунунга қабул қилинмаганлигини, қабул комиссияси комсомол ячейкасининг харақтеристикасини талаб қилганлигини айтди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор нарсага мукамал равишда берилган тафсилот. Двигатель харақтеристикаси. Қир ювиши машинасининг харақтеристикаси.

3 мат. Ўнлик логарифманинг бутун сон қисми.

**ХАРАКТЕРЛАМОҚ** Бирор кимса ёки нарсанинг муҳим томони ёки хусусиятларини очиб бермоқ, шарҳламоқ. Халқаро аҳволни харақтерламоқ.

**ХАРАКТЕРЛАНМОҚ** харақтерламоқ фл. мажҳ. н. Унинг фаолияти нима билан харақтерланади? — Элементнинг кимёвий хоссалари ядро заряди билан харақтерланади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**ХАРАКТЕРЛИ** 1 Бирор харақтерга, феъл-атворга эга бўлган. Қизиқ харақтерли одам. Бўйи харақтерли бола.

2 Кимса ёки нарсанинг ўзига хос хусусиятини ифодаладиган, уни бошқалардан фарқлаб, ажратиб кўрсатадиган; муҳим, асосий. Харақтерли мисоллар келтирмоқ. — [Йўлдош] қанча уринмасин, унинг бирор харақтерли чизигини айтиб беролмади. Шухрат, Шинелли йиллар. Халқ ақл-идроки ва юмори билан сугорилган бу кичик ҳикоялар учун ҳам қизиқчининг бутун ижодида хос кулги ва чуқур маъно харақтерлидир. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ХАРГҮШ** [ф-т]: харгўш йили айн. қуён йили қ. қуён 4.

**ХАРЖ** [а] Бирор эҳтиёж учун ишлатиладиган пул, маблағ, сарф. Йўл харжи. Тўй харжи. Нокасан қарз қилма, қарз қилсанг ҳам харж қилма. Мақол. — Мен бу ерга келганимда қорним тўй, устим бутун, чўнтагимда

беш-ўн танга беминнат харжим бўлишини кўзлаан эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мен бу иш учун олдиндан йиғирма танга пул ҳам олиб, харж қилиб юборган эдим. Айний, Жаллодлар.

**ХАРЖЛАМОҚ** Харж қилмоқ, ишлатмоқ, сарф қилмоқ. Бултур пахта-ни қўлда териш учун уч юз эллик минг сўм харжладик. С. Аҳмад, Машғаллар порлайди. [Ақрам] биринчи йили ишлаган пулини энг зарур нарсаларга — кийим-кечак билан озиқ-овқатга харжлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАРЖЛАНМОҚ** харжламоқ фл. мажҳ. н. Бу қурилишга икки минг сўм харжланди. — Неча минг сўм харжланиб яратилган уй Саидийники эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХАРЖЛАТМОҚ** харжламоқ фл. орт. н.

**ХАРИ** Тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган, узун, йўғон асосий ёғоч. Лағли . . . отхонанинг ўт ялаётган хариларини, чирсиллаб ёнаётган устунларини кўрди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ХАРИБОП** Харига ярайдиган, хари бўладиган. Харибоп ёғоч.

**ХАРИД** [ф-т] Сотиб олиш. Молнинг харид нархи. Аҳолининг харид қуввати. Харид қилмоқ. — Софья Борисовна эрининг ёнига яни келган кунлари... биринчи харид қилган нараси шу гул бўлган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХАРИДОР** [ф-т] 1 Харид қилувчи, сотиб олувчи. Хариддорларга маданий хизмат кўрсатиш. — Ухламади қосиблар тунда, Ҳар бир молнинг бор харидори Қўллар қўлга тегмайди бунда, Яқшанба кун Хива бозори. Э. Раҳим. Қелин ўнг қулоғидаги битта балдоқни чола бериб: — бунни бозорга олиб бординг, харидор нима берса олиб келинг, — дебди. «Эртақлар».

2 кўчма с. т. Бировга (одатда бирор қиз ёки аёлга) кўнгил қўйган киши, хуштор. Бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. А. Қодирий, Утган қушлар. Донгдор бой қизга харидор, ҳаваскор кўп бўлади. Ойбек, О. в. шабадалар. Энди Зайнаб бўй етиб қолди, Юртимизнинг мана энг олди Йигитлари унга харидор, Кўп лоқинлар чиройига зор. Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. | Ишқивоз, жазман. [Ҳайитжон]: . . . ҳар одим қизини жони билан беришга харидор-у, бироқ отаси отанинг давлату обрўйига қизиқиб киши қўйдираяпти. Ҳамза, Паранжи сирлари. | Умуман бировни қадрловчи, иззат-хурмат қилувчи. Тўйда сўз бер бахшига, харидор бўл яхшига. Мақол.

**ХАРИДОРБОП** айн. харидорғир. Ширин, харидорбоп тоамни ўлаштириб, овқатлар хилини кўпайтиравемиз. «К. Ўзбекистон», 1961, № 282.

**ХАРИДОРГИР** [ф-т] Харидорларнинг дидига, талабига мос, тез сотилиб кетадиган. Харидорғир кийимлар.

— Янги техника жорий этилишни тўфайли харидорғир моллар тайёрлаш



қўлайди. «С. Ўзбекистон», 1965, 24 июнь. Озгина бўлса ҳам [қўйларни чимзорликка] ёйиб, сал қорнини чиқариб, харидорғир қилиб бозорга етказиш керак. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ХАРИЛИК** айн. харибоп. Харилик ёғоч. — Атрофга ўтқазилган мурғак новдалар эндиликда йўғон терак бўлиб, шу қурилишга хариликка яраб қолди. «Муштум», 1960, № 44.

**ХАРИТА** [а] эск. Географик карта. Табиий харита. Дунё харитаси.

**ХАРИШ** [ф-т] 1 мед. Кўпинча уй ҳайвонларида бўладиган тери касаллиги, қуруқ қичима. Харииш бўлмоқ. Хариишни доволамоқ.

2 Харииш касалига, қичимага мубтало бўлган, ҳар нарсага суркалавариб жунлари тушиб кетган, қирчанғи. — Харииш отга ўхшаб тайсалламай, хап турсанг-чи! — деди партком Бургута. С. Аҳмад, Чўл бургути. Қосим Хўжаев оч қолган харииш бир мушук. . . Унинг.. манфур тили қилчининг тиғини яламоқчи бўлади. Ғ. Ғуллом, Қора мушук. Қарасалар бир ҳолачи келяпти, тагида минган оти харииш, ели-думи тўқилган. «Урўғли».

**ХАРИШЛАНМОҚ** Харииш бўлмоқ, қичима-қирчанғи касалига йўлиқмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

**ХАРОБ** [а] 1 Қаровсиз қолган, бузилган, вайрон; нообод. Хароб боғ. Хароб машина. Хароб шаҳар. Хароб қилмоқ. — Қўнанинг икки томонида бўғот томли, қинғир-қийиш хароб уйлар, ярми қулаган деворлар оқим қоронғисидан дардли манзара ясайди. Ойбек, Қутлуг қон. Унинг [Сидиқ-жоннинг] назаридан, ҳовли илгаригидан ҳам хароброқ, уй ва ундаги ҳар бир нарса кўзига абадий қашшоқлик нишонаси бўлиб кўринар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинон. 1916 йил охири, ўлка хароб, очарчилик ҳукмронлик қилмоқда. Ж. Камолов, Жиддий синовлар. | Эски, юпун, жулдур. Усти-боши хароб одам.

2 Моддий ва маънавий жиҳатдан тушқунликка йўлиққан, аҳволи танг. — Бахтимга Совет ҳукумати бўлди... Мени одам қилди.. Бўлмаса мен хароб эдим. Йўқ эдим,— деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. | Чатоғи, камчилиги, нуқсонни кўп; чатоқ. [Қози:] Муллаўст, ишимиз хароб. Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Озғин, ориқ, нимжон. Хароб от. Хароб мол. Хароб бўлмоқ. — Нимаси зотли, ўзимизнинг жайдари қўйлардан ҳам хароб-ку! — ажабланди чўпон. «Муштум», 1961, № 11.

**ХАРОБА** [а] 1 Қаровсиз қолган, бузилиб хароб бўлган жой, вайрона. Хароба қилмоқ. — Сергей шериклари билан отхона харобаси устига бориб, қорабайирни кўздан кечирди. Х. Ғуллом, Машғал. У ер-бу ерда ҳайбатли тошлар ён томондан туртиб чиқиб қоларди. Булар қулаган девор ва қадимий тўғонларнинг харобаларини эса туширарди. Ҳ. Назир, Сўнмас

чақмоқлар. Талашган хонларнинг кеку гарази Етди юрт бошига, хароба қилди. Шайхзода.

2 айн. хароб 1. Хароба ерлар. — Қўча чанги қўнавериб гуваласи тусини йўқотган, хароба деворлардан.. дарахт шохлари осилиб ётар. . . эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ХАРОБАГАРЧИЛИК** с. т. Харобалик.

**ХАРОБАЗОР** [а+ф-т] Қаровсиз қолган, хароб бўлган уйлар, вайроналар; қишлоқ ёки шаҳарнинг қолдиғи. Улар вайроналар, харобазорлар ўрнида янги социалистик шаҳар барпо этдилар. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 186. [Отабек] боқчанинг кунботари билан харобазор иморатларни ёнлаб юрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Утмиш асрларнинг харобазор, ваҳима, чўл лавҳаларидан из ҳам қолмаган. Туйғун, Йиллар ва кишилар.

**ХАРОБАЛИК** 1 хароба 1 с. белги оти. Бинонинг харобалиғи. — Очлик, қашшоқлик, яланғочлик, вайроналик, харобалик капиталистлар-эксплуататорлар мамлакатидан ҳукмронлик қилади. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

2 айн. харобазор. Зилзла харобаликларди. — Ҳовлининг кунботар томонида харобаликдан озгина беридан.. икки даричалик бир уй, бу уй қаторида бир айвон бўлиб, шунинг ила бу ҳовлининг тиккайган биносининг ҳисоби тамом эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қашшоқлик, етишмовчилик, танглак. Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейин империалистик босқинчиларнинг ёш Совет республикасига қилган хуружи мамлакатимизни тагин ҳам заифлаштириб юборган, хўжаликни харобаликка олиб келган эди. «Қ. Ўзбекистон», 1957, 31 март.

**ХАРОБЛАШМОҚ** 1 Хароб бўлмоқ, вайрон бўлмоқ, бузилмоқ. Хароблашган шаҳар. Қадими хароблашган қишлоқлардан асар йўқ.

2 Моддий ва маънавий жиҳатдан қийин, оғир аҳволга тушмоқ; қашшоқлашмоқ. [Шокир ота:] Мен қанча хароблашсам, у шунча хурсанд бўлади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Озиб, нимжон бўлиб қолмоқ, заифлашмоқ. Хароблашиб кетган сизирлар.

**ХАРОБЛИК** 1 хароб с. белги оти. Қишлоқнинг хароблиғи.

2 Моддий ва маънавий қийинчилик; қашшоқлик.

**ХАРОБОТ** [а] эск. кт. 1 айн. харобазор.

2 Ичимликлар ичиладиган жой, қовоқхона.

**ХАРРОТ** [а] 1 Ёғочни ўйиб гул, безак солувчи уста, ёғочсоз. Ҳозир.. малакали бинокорлар — дурадеорлар, харротлар тайёрлана бошланди. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 67.

2 айн. тароқчи.

**ХАРСАНГ** [ф-т] Катта табиий тош. Аҳмоққа айтаган билан гап уқмайди, харсангга қоққан билан мих ўтмайди.

Мақол. — Шохлар қуйига чўқар, яна унинг устига харсанглар ташланар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Болалардан биттаси нима бўлди-ю, бир харсангга қоқилиб йиқилди. Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ. || Терак бўйи баланддан пастга бутун оғирлиги билан оқиб тушаётган суя харсанг тошларга урилиб сачрайди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАРТИЯ** [р<грек] сиёс. Ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган айрим ҳужжат ва декларацияларнинг номи. Англия ҳурриятпарварларининг улуг хартияси.

**ХАРТУМ** [а] 1 Филнинг тумшугидан олдинга чўзилган, ҳидлаш, нафас олиш, бирор нарсани тутиш, кўтариш учун хизмат қиладиган ҳаракатчан аъзоси.

2 кўча Экскаватор, минорасимон кран кабиларнинг ер қазииш, юк кўтариш каби ишларни бажарувчи олдинга чўзилиб чиққан қисми, стреласи. Нарироқда полвон экскаватор траншея қазииши тўхтаиб, баҳайбат хартумини чўзганча турибди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Икки терак бўйи келадиган краннинг темир хартуми Бекка итоат қилади. А. Мухтор, Тўғлиш.

**ХАРТУМЧА** 1 хартум с. кичр.-эркл.

2 Пашша, ари каби ҳашаротларнинг тешиш, сўриш (чақиш) учун хизмат қиладиган узун наштарсимон оғиз аппарати. Арилар яшиқлардан тўғри учииш бориб худди гўзаларнинг оқши-пушти гулларига қўнардилар, кўз илғамас хартумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна виз этганича келиб эшикчалардан «уй»ларига кириб кетадилар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ХАРХАША** [ф-т] 1 Арзимаган нарса учун қилинадиган жанжал; машаша, инжиқлик. Хархаша қилмоқ. — Хотинларнинг беаъғни қий-чуви, арзанда болаларнинг хархашаси ҳамма ёқни тўтди. Ойбек, Қутлуг қон. Парво қилманг, полвон, бу кунда бўладиган хархаша. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Қудрат атайлаб индамай турса ҳам, Раъно энди саёҳат хархашасини бошлаётган эдики, сизир уст-устига маъраб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | кўча Узгариб туриш, айнаш, бузилиш. Қўши августда икки уч марта юзини берктиб олиб хархаша қилган бўлса ҳам, ортиқча зарар келтира олмади. Ш. Ғулломов, Ташаббус.

2 Бирор ишни бажаришдаги қийналиш; қийинчилик, ташвиш; даҳмаза. Асаларичиликнинг хархашаси кўп бўлади. Табиий газ аҳолини кўп хархашалардан озод қилди. — Маълумки, бу йил об-ҳаво шароити жуда нуқудай келди, пахтачилик ишининг хархашаси кўпроқ бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1962, 16 август.

**ХАРХАШАЛИ** 1 Қийинчилик билан амалга ошадиган, серташвиш, даҳмазали. Хархашали иш.

2 Хархаша қиладиган, серхархаша; инжиқ. Хархашали бола.

**ХАРХАШАСИЗ** I рвш Хархаша қилмасдан, жанжалсиз, тинч, осойишта. Хархашасиз яшамоқ. — Бу йилги қиш хархашасиз ўтмағуси. Ғ. Ғулом, Қўқан.

2 Хархаша (жанжал ёки инжиқлик) қилмайдиган, тинч яшайдиган. Хархашасиз бола.

3 Осонгина амалга ошадиган; ташвинсиз. Хархашасиз иш.

**ХАРХАШАЧИ** Хархаша қилувчи, жанжалкаш; инжиқ. Хархашачи бола.

**ХАС** [ф-т] I Курак ўсимлик пояси; хашак, чўп. Чўкаётган одам хасга ёпишар. Мақол. — Оёғим тагида хас ташиб ўтди Рўзгорга чиниққан деҳқон чумоли. С. Акбарий. Бу ерда ҳар нарса дилрабо, сўйли. Гулдан афзал ҳатто бу ернинг хаси. Уйғун.

2 Куритилган ўт-ўсимликлар, хашак. Ҳалиги яғрини кенг немис солдати ёнаётган хасни ботинкаси билан топтаб ўчирди. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши. Қанча ботир бўлсан ҳам, Зўр баҳодир бўлсан ҳам, Тўшагинг хас деб билдим, Аслингени пас деб билдим. Ҳ. Олимжон.

◆ Қўзига хас тушиди шаънига доғ тушиди, обрўйига путур етди. Бир майизни қирқ бўлиб есак Оилада, бу ажаб эмас! Ҳаёт ширин, қонайлик десак, Қўзларимизга туширмайлик хас! Ғ. Мирза.

**ХАСАҚ** [ф-т] диал. Хашақи. Назокатхон қулф уран терак бўлса, унинг олиди Адолатхон куриб қолган хасак тутга ўхшарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАСАҚИ** [ф-т] диал. Хашақи.

**ХАСАВА** I Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи хашарот, ўсимлик қандасиси.

**ХАСАВА** II диал. Хасмол.

**ХАСИС** [а] I Бирор нарса бермасликка, сарфламасликка интиладиган киши; зикна; қизганчиқ. Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан қочар. Мақол. — Борни берган уялмайди; Келиб кўрган ва виштган.. Бизни хасис деялмайди. Шайхзода. У [Алихон] ҳаддан ортиқ хасис бўлиб, ота-онасига ҳеч қарашмасди. Айний, Эсдалиқлар. || Юсуфжон қизик хасис бойлар, маккор эшонлар, зolim мингбошилар, икки юзламачи элликбошилардан қаттиқ куларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 кўчма Ҳосил бермайдиган, экин битмайдиган, ориқ (ер ҳақида). Хасис чўл. — Хасис ердан унум чиқмас, аҳвол чатоқ. Ойбек, Зафар ва Захро.

**ХАСИСЛАШМОҚ** Хасис ёки қизганчиқ бўла бормоқ. У кейинча жуда хасислашиб кетди.

**ХАСИСЛИК** хасис с. белги оти. Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимни ҳуқулига ҳатилмаган латиқалар сўхбатга «ранг» бериб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Миржалол бойнинг

исмига тақилган «қурук» лақаби, унинг ўта хасислигидан экан. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. Билсанку, бошқалар аскияга ҳам хасислик қилдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАСКАШ** [ф-т] Хашак, хас-чўп ва ш. к.ни йнғиш, тўплаш учун ишлатиладиган узун дастали, кўп тишли қишлоқ хўжалик қуроли. Улар [болалар] майка ва трусида, лекин жангчилардек шайланган: баъзисининг қўлида белкурак, баъзисиди теша, ўроқ, хаскаш. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ХАСМ** I [а] фольк. Рақиб, ғаним, душман. Қўнғилмда кенг эди менинг ҳавасим, Қариндошинг бўлди бизларга хасм. «Ғўрўғли».

**ХАСМ** II [а] Бировнинг ихтиёридаги нарса ёки киши. У [Нусратилла] атрофдаги ҳамма нарсага ва одамларга ҳам ўз хасмидаги буюм деб, паст назар билан қарарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | эск. Бировнинг мулки ёки қули. Ойсулунинг бўйи чўзила борган сари Жонизоқ: «Бу ҳам бировнинг хасми-да, менга ёстиқ бўлармиди?» — деб кўярди. С. Анорбоев, Оқсой. — Қиз отанинг хасми, киме берса, шунинг қўлини тутати-кетати, — деди Бувинисо хола Зумрада. Ойбек, Улуғ йўл.

**ХАСМОЛ** [ф-т] Кўпинча бармоқда суякни ёриб кучли огриқ билан чиқадиган ёмон яра, чиқиқ. Қўлингга хасмол чиққур! (дарғ.). — Зўр бериб малҳам сурганига ҳам қарамай [жароҳат] хасмолдек лўқ-лўқ алам берарди. Мирмухсин, Чўри.

**ХАСПЎШ** [ф-т]: хаспўш қилмоқ айн. хаспўшламоқ. У кирдикорларини.. хаспўш қилишга интилса ҳам, ўз ифлослигини одамлардан яширолмади. Ойбек, Навоий.

**ХАСПЎШЛАМОҚ** Хато ва камчиликларни бировга билдирмаслик, фош қилмаслик учун уларни яширишга тиришмоқ. Ҳожи хола ўз таржимаи ҳолининг жуда кўп ерларини ташлаб, жуда кўп ерларини хаспўшлаб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Бадрий:] Миллатчи унсурларнинг миллий низолар тугдириши ниятида қилаётган хуружларини хаспўшламоқчиси! З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ХАСПЎШЛАНМОҚ** хаспўшламоқ фл. мажж. н. Афсуски, шикоят қоғозда қолиб кетди, жиноят хаспўшланди. «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 154. Аҳмедов, янги даврнинг янги талаблари деб айтган нарсаларнинг бир мунчаси буюнги ва буюн хаспўшлангани билан эртага юзага чиқадиган камчилик ва хатолар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАСТА** [ф-т] I Бирор касалликка чалинган, касал, касалманд. Мاستура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чиқмай ётган оғир хаста. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Бобом уч кунгача хаста ётган эди. Ойбек, Болалик.

2 кўчма Қийналган, азобланган; дардли; қайғули, ғамгин. Бетни силар мармар ҳаволар, Хаста қалбага бериб даволар. Ғайратий. Биз кураш қизининг ёлқин кўзидан Хаста кўнғилларга шифо олганмиз. Уйғун. Ҳеч ким Ҳаётни тўғрисида бир оғиз сўз билан хаста дилни шод этмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Хириллаган, хир-хир; кучсиз, заиф (овоз ҳақида). Унинг [Бобоқулнинг] хаста овози жала шовиллашида хум ичидан чиққандай, янада бўғилиброқ чиқди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Хаста бўлмоқ хирллаб қолмоқ, заифлашмоқ. Осмонда ғозим-ғозим, Хаста бўлди овозим, Хаста бўлган овозга Бир пиёла чой лозим. «Қўшиқлар».

**ХАСТАДИЛ** [ф-т] Азоб-уқубат чеккан, рухан эзилган; қайғу-хасратли. [Мансур:] Пирим, афв айлангиз бахти қарони, Ғарибу хастадилад мотамсарони. Уйғун ва И. Султон, Навоий. | кўчма Жуда қаттиқ севиб қолган, ошиқу беқарор. Жигарсўхталик бу билан ҳам кифоа қилмади, хастадилад қози домла ўз ёнида ўтирган Асад қорига пинҳона мурожаат қилишга мажбур бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАСТАДИЛЛИК** хастадилад с. белги оти. — Саидғози Саидвалиевичдан ҳам айрилиб қолдик, — деди Акрамов хастадилик билан. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАСТАЛАНМОҚ** Касал бўлиб қолмоқ; касалланмоқ. Зайнабнинг ҳам юраги ярали эди, унинг тўйи яқинлашган вақтда севики куёв йиғит икки кунгина хасталаниб ўлган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАСТАЛИК** хаста с. белги оти. Юрак хасталиги. — [Салтанатнинг] тўладан келган юмалоқ юзи хиёл сўлган, оғир хасталиқдан турган одамнинг юзидай ранглар. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. У [Нурали] шунда зор-зор йиғлаб, отамнинг қадри ўтди деб, бобосига хасталик билан бир сўз айтди. «Зулфизар билан Авазхон».

**ХАСТАХОНА** [ф-т] эск. айн. касалхона.

**ХАС-ХАШАК** [ф-т] Турли ўт-хашак. Бу ерда саксовул, ажриқ ва янтоқ томирлари, ердан йиғилган хас-хашаклар етарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАС-ЧЎП** [ф-т] Турли хас ва ўтин-чўп. Кечаси тоғларга ёлғир ёққан бўлса керак, сойнинг суви сал лойқаланиб, кўтикланиб, йўл-йўлакай хас-чўпларни оқизиб келмоқда эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАТ** [а] I Узоқдаги кишига бирор хабар бериш ёки фикрлашиш мақсадида, одатда почта орқали юбориладиган, бирор текст ёзилган қоғоз, нома, мактуб. Закав хат. Оддий хат. Жавоб хат. Хат олмоқ. Хат юбормоқ. — Саккиз-тўққиз ойда Оқилжондан бир хат келди. Ойбек, Қутлуғ қон.

*Ахмаджон ҳовлига хат ёзиб, «илгари ёзган хатларим ҳаммаси бекор, уруш бўлаётган жойга энди келдик..» деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Умуман бирор хабар, маълумот ёки ҳар қандай текст ёзилган қоғоз.— Мумкинми? — деди Сафаров хатга қўл чўзиб. Самандаров хатни унга узатди. Бу хат ариза бўлиб, Тўлаган ака колхозга кириши тўғрисида берган аризасининг қайтарилшини сўрар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Хатда ёзилган текст, хат тексти. *Хат боши. Хат ёзмақ. — Хат кичикроқ қоғозда ўловлик сўзлардан иборат эди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Умуман бирор нарсага ёзилган, чизилган ёки ўйилган белгилар, ёзув ёки текст. Олим тошга ўйилган қадимий хатни ўқишга уринди.*

3 Ёзув учун ишлатиладиган график белгилар, ҳарфлар системаси; графика. *Арабча хат. Латин хатини ўрганмоқ.*

4 Ҳарфларни ёзишдаги ўзига хос услуб, кўриниш, ёзув хили. *Чиройли хат. Хунук хат. Хатти шикаста қ. шикаста.*

5 с. т. Ўқиш ва ёзиш, савод; саводливлик. *Хати бор одам. — Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб боланинг отини Ёдгор қўйди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.— Сал-пал хат ўргангандан кейин китоб ўқий бериб олим бўлиб, ёзувчи бўлиб, номлари дунёга танилган одамлар йўқ дейсизми? — деди Элмурод. П. Турсун, Уқитувчи.*

6 с. т. Ёзувдаги ҳар бир қатор, сатр ёки мисра. *Билиш учун ҳар қайси шеърдан бир-икки хат ўқиб кўриш керак эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

7 Чизик, линия. *Хат тортмоқ чизик чизмоқ, чизик ўтказмоқ.*

8 с. т. Бирор кимса ёки нарсани ёзма равишида санаб кўрсатиш, рўйхатга олиш; рўйхат. *Муҳаммаджон баззода беш ўғил бор, Шоюнус карвонда етти ўғил бор, Азим чоғирушида уч ўғил бор, улардан биттаси кирдимми хатга? Йўқ! Ойбек, Қутлуғ қон. Хатга олмоқ (ёки солмоқ, битмоқ) рўйхатга киритмоқ. Мулкни хатга олмоқ. — Бу уйдаги ҳамма нарса хатга олингандан кейин ташқарига чиқилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Маҳкам:] Йиғлама, Иқболим. Хўжайин мени минг марта хатга битмасин! Тирик эканман, ҳеч ким мени мардикорга ҳайдомайди. Н. Сафаров, Уйғониш. Хатга тушмоқ рўйхатга киритилмоқ. Хатга тушинг — ўтга тушинг. Мақол.*

9 с. т. Расмий қоғоз, ҳужжат. *Кейин билсак, кеча эр-хотин қаттиқ уришган, хотин «қўй, энди мен сен билан умр қилолмайман, эртага хатимизни оламиз», — деган экан. А. Қаҳҳор, Жонфиғон. Талоқ хати эр-хотиннинг бир-биридан ажраллиши ҳақидаги расмий қоғоз, ҳужжат. Бир неча вақтдан сўнгра Хомиднинг сохта талоқ хати билан эридан чиққан қиз Комилбекка*

*бериладир. А. Қодирий, Утган кунлар. Хат қилиб бермоқ ўз мулкни бировга қонуний йўл билан расмийлаштириб бермоқ, топширмоқ. Уйимни ширнатга хат қилиб бердим. — Сиз бойларнинг ер-мулкларини мусодара қилиш вақтида энг яхши ерларни уларнинг ўзларига хат қилиб бергансиз. Ҳ. Ғуллом, Машғал.*

◆ *Хатини олиб, муҳрига тақалган у жуда оғир аҳволда ётган, унинг соғлиги ниҳоятда ёмонлашган.*

**ХАТА** [p] Украина, Белоруссия ва Жанубий Россия қишлоқларидаги деҳқонлар яшайдиган уй. *Унда хатамиз ҳув дарё бурилган жойда, ўрмон ёқасида эди. Р. Файзий, Қишларнинг кичкаси. Хозиргина иссиқ ҳаммомдан чиқиб, роҳатланиб ўтирган Мурзин хатанинг кичкина очилмас тўрт кўзи деразасидан қизни кўриб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ХАТАР** [a] 1 Бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит, хавф; таҳлика. *Бу ерда бир хатар бор. Хатарда қолмоқ. Хатардан қутулмоқ. Қатордан қолгунча хатарда қол. Мақол. — Маҳкам тутдинг сен қўлларимдан, Етақладинг ҳур турмуш сари, Улим, хатар йўқ йўлларимда. Ҳ. Пўлат. Аввал мен сиздан миннатдор бўлишим керак.. Сиз туфайли кўп қаторида мен ҳам бир хатардан қутулиб қолганман. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Хатарли, хавфли, таҳликали. *Душманнинг бири ҳам хатар. Мақол. Коллектив билан ишлаган ютар, ўзбошимчаликнинг охири хатар. Мақол. || Аммо бири кетса, бадтари келди, Янги очкўзларнинг хатари келди. Шайхзода.*

**ХАТАРЛИ** Бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган, хавфли, таҳликали. *Хатарли иш. Хатарли йўл. Хатарли касалик. — Зулайхонинг осойишта юзига қараб танг қолдим. У хатарли одам билан гапланиб юрганини бутунлай сезмаётганга ўхшайди. П. Қодирий, Қадрим. Узоқ вақт жанг оловларида уйқусиз, хатарли кунларни ўтказган бу йигит учун... сой бўйлари янада нашъали ва оромбахш туюлар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ХАТАРНОК** [a+ф-т] кт. айн. *хатарли. Йўл машаққатли ва хатарнок эди. Юрагида ўти бор, ғайратли кимсаларина бундай йўлга чиқа олар эди. М. Осим, Элчилар.*

**ХАТАРСИЗ** Бехатар, хатари йўқ, хавфсиз. *Хатарсиз жой. — Асқар полков билан Али тажанг.. хатарсиз бир парча жой топши умидида ҳолсиз югурдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. || Узининг жуда яхши ва хатарсиз учиб бораётганидан шодланиб, юраги тўлқинланди. Ойдин, Садағанг бўлай, командр.*

**ХАТИБ** [a] дин. Масжидда хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом; воз. *Мен эсимни таниган вақт-*

*ларда гиждувонлик саводли бир хотин, хатибининг аёли бўлиб, уйда қизлар мактаби ҳам бор эди. Айний, Эсдалликлар.*

**ХАТҚАШ** [a+ф-т] 1 эск. Хат ёзиб берувчи; мирза.

2 махс. Чизик, йўл ҳосил қиладиган қишлоқ хўжалик асбоби; маркёр.

**ХАТЛАМОҚ** с. т. 1 Мусодара қилинган мол-мулкни бирма-бир ҳисобга олиб, ёзиб чиқмоқ, рўйхатга олмоқ. *Икромжон акамни қамоққа олиб кетишди. Ҳамма нарсани хатлаб кетишди. С. Аҳмад, Гулдаста.*

2 Мол-мулкни биров номига қонуний расмийлаштириб бермоқ. *Йўқ! Кетмаймиз! Нетайхон опам мана шу ҳовлини сизларга хатлаб берамиз, деганлар. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. Регистон устига қизил байроқ тикканимизда, Валихоннинг қононаларини унга [Абдувахобга] хатлаб берамиз. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ХАТЛАНМОҚ** хатламоқ фл. мажҳ. н. с. т. Мол-мулк хатланди.

**ХАТЛАТМОҚ** хатламоқ фл. орт. н. с. т. [Муродхўжа] уйни Сорахоннинг номига хатлатди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХАТЛАТТИРМОҚ** хатлатмоқ фл. орт. н. с. т.

**ХАТЛАШМОҚ** с. т. Бир-бирлари билан хат ёзишиб, хат олишиб турмоқ. *Мен дўстим билан хатлашиб турман. — Иван Петрович доим хатлашиб турган бўлса ҳам, яна унинг иши, колхозни тўғрисида оdatи бўйича, иошиб-пишиб қисқа-қисқа саволлар берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ХАТЛИ** 1 Хати бор, ёзувли. *Хатли қоғоз.*

2 Хат-саводи бор, ёзув-чизувни билладиган. *Ходиқул имога қараб ётиги билан сўзлай бошлади: — Имом почча, ҳаммамизга оқ-қорани танитган якка-ю ягона хатли одамсиз. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

**ХАТЛИК** хат с. мажҳ. от. *Хат тузатила-тузатила хатликдан чиқди.*

**ХАТМ** [a] эск. Тамом қилиш, тутатиш; охир, тамом. **Хатм қилмоқ** 1) бирор ишни охирига етказмоқ, тутатмоқ, туширмоқ. *Тўрт кунсиз қуръонни хатм қилиб бўлмайди. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) мукаммал билмоқ, эгаллаб олмоқ, эгалламоқ. Китоб кўравериб, саводинг ҳам чиқиб қопти. Инглизчани ҳам хатм қилиб юборган бўлсанг керак? Яшин, Генерал Рахимов. Хатми қуръон ўлганлар арвоҳига атаб қуръон тушириш ва шу муносабат билан ўтказиладиган диний маросим, кичик зиёфат. У [Миробид] кексаларни йиғиб, ота-боболарининг арвоҳига хатми қуръон қилдирди. В. Ғофуров, Вафодор. Хатми кутуб қилмоқ мадрасани тамомламоқ, тутатмоқ. Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир «олим» ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўта олмасин-да, унинг ҳаром тукига арзмаган бир бесавод етим.. ўрада фалон вақт-*

вазифадор бўлсин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ХАТ-МАХР** [а] Махрига ёки чекига тушганлик ҳақидаги ҳужжат. **Хат-махр қилиб бермоқ** (ёки топширмоқ) расмий равишда ихтиёрига топширмоқ ёки зиммасига юкламоқ. — *Ўйларни менга хат-махр қилиб топширганмидингиз? Тушунолмай қолдим, — деди Раҳимжон. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.*

**ХАТНА** [а] дин. Мусулмонлар ва баъзи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш ёки кестириш. **Хатна қилмоқ** шундай талбирни амалга оширмоқ. *Катта ўғилларимиз хотинли бўлди, кичкинালари хатна қилинди. Айний, Қуллар. Хатна тўйи хатна муносабати билан ўтказиладиган маросим, зиёфат; суннат тўйи. Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устиса икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ХАТО** [а] 1 Ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш, сўзлаш ва ш. к.ларда адашиш, янглишиш, нотўғрилиқ, қусур. **Орфографик хато. Математик хато.** — *Вилоят газетасида фикр олишиш йўли билан босилиб, матбаа хатоси ўлароқ бу сўз айтилмай қолган. А. Қаҳҳор, Сароб. — Хонима.. хотин! — деди Фосих афанди, «хоним афанди» дейишни чўри учун ортиқ шараф деб фаҳмлаб ва бу хатосини дарҳол «хотин» сўзи билан тўғрилади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. ] Умуман турмушда, ишда йўл қўйилган камчилик, нуқсон, нотўғри хатти-ҳаракат. *Душман сириғни ўғирлайди, дўст хатонени тўғрилайди. Мақол. — Гулнор айтеганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзламоққа мажбур бўлди. Ойбек, Қутлуг қон. Бу ҳам ўзимизнинг энг катта хатоларимиздан. Мен ўша кундан бери ўз-ўзимдан бўғилиб юрибман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хато қилмоқ (ёки кетмоқ) хатога йўл қўймоқ, камчилик ёки нуқсон юз беришига нмкон бериб қўймоқ. Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир. Мақол. — Хатони ўзлари қилиб тузатишни сиздан талаб қилсалар инсофданми, ахир! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.**

2 Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз, нотўғри. **Хато фикр. Хато қараш.** || **Хато ёзмоқ. Хато ҳисобламоқ. Хато сўзламоқ. — Жўрттага хато ўқиб, ўзинг кулдирдинг.. Уқи, Раъно. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.**

3 қ. х. Ердан чиқмай ёки унмай қолган уруғ ҳақида. **Яхши ишланмаган ерга экилган уруғ хато чиқади.** || **Хато ер** уруғ чиқмай, унмай бўш қолган ер. *Ғўза яхши ва бақувват ўсиши учун, чигит батамом кўкариб чиқиши билан, яғаналанади ва хато*

*ерларига олдиндан ивитиб қўйилган чигит экилади. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 65.*

4 Мўлжалга, нишонга ололмаслик, тегизолмаслик ёки тегмаслик; зое кетиш. *Уқ хато кетди. — Ҳеч қайсисининг отгани хато кетмас эди, ҳеч бир душман омон кетмас эди. «Ал-помши».*

**ХАТОЛИ** Хатоси бор, нотўғри.

**ХАТОЛИК** Хато иш, хато ҳаракат, янглишув. *Мендан ўтган хатолик шу бўлдики, бу гапни дарров раҳбарларимизга етказиб, чора кўрилишини талаб қилмадим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ХАТОСИЗ** 1 Хатоси йўқ, тўғри. **Хатосиз диктант.** || **Хатосиз ёзмоқ.**

2 қ. х. Бир текисда, ёппасига (уруғ унши ҳақида). *Уйқу ва ҳаловатнинг баҳридан кечиб, ҳар бир гектар ердан 70 минг туп ғўзани хатосиз ундириб олиш Курбонали полвон эвеносида одат ҳукмига кириб қолди. Н. Сафаров, Курбонали.*

3 Ўқни зое кетказмай, аниқ нишонга олиб. *Ўқни хатосиз отмоқ.*

**ХАТПАРАСТ** [а+ф+т] кам қўлл. Хат ёзишни яхши кўрадиган. **Хатпараст одам.** || **Одатим хатга бир ўтирсам қаторасига ёзаман. Лекин хатпараст эмасман. Ойбек, О. в. шабадалар.**

**ХАТ-ПАТ** с. т. Хат-хабар. **Нега хат-пат юбормадинг.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**ХАТ-САВОД** [а] Ўқиш, ёзиш. **Китоб саҳифасидаги ҳарфларни бир-бирига уриштириб бир маъно чиқариш, уни қалам билан дафтарга ёзиш илғари хат-саводни хаёл қилмаган қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар қандай завқдан ортиқ.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Илтимос қилган деҳқонларнинг болаларига [отам] бўйи вақтларида хат-савод ўргатган.** Айний, Эсдалиқлар. **Хат-саводи бор** ўқиш, ёзишни биладиган, саводли. *Сен.. хат-саводин бор-а? А. Мухтор, Опа-сингиллар. Хат-саводи йўқ* ўқиш, ёзишни билмайдиган, саводсиз. **Қишлоқ советига раис бўлай деса, алифни ҳам билмайди. Қўлида хат-саводи йўқ.** «Муштум», 1959, № 11. **Хат-саводини чиқармоқ** ўқиш, ёзишни билиб олмақ, саводли бўлмоқ.

**ХАТ-САВОДЛИ** Хат-саводи бор, ўқиш, ёзишни биладиган. *Турсунбува.. дуйи-саломни ўқитиш учун бутун қишлоқда бирорта хат-саводли киши тополмасдан, мулла қидириб Наманганга тушишига мажбур бўлган эди. А. Ғозиев, Ҳ. Нурий, Заркент боғлари.*

**ХАТ-САВОДСИЗ** Хат-саводи йўқ, ўқиш, ёзишни билмайдиган.

**ХАТТИ-МУХР** [а]: **хатти-мухр қилиб бермоқ** бирор нарса ёки мулкни расмий равишда, ҳужжат билан топширмоқ. **Ҳали заводимни хатти-мухр қилиб берман деб, сиз билан нота-риусга бормоқчи эдим. Жуда қизиқ**

**иш қилиб қўйдингиз-да. С. Аҳмад, Ҳукм.**

**ХАТТИ-РАЙҲОН** [а] Хаттотликда арабча ёзув шаклларида бири. *Уйлаб-ўйлаб.. арабий калималарни хатти-райҳон шаклида ёзиб,.. бозор томон равона бўлдим.* Ғайратий, Довдираш.

**ХАТТИ-ҲАРАКАТ** [а] 1 Юршти-туриш, хулқ-атвор. **Бекнинг хатти-ҳаракатини кўрган бойнинг фиғони фалакка чиқди.** Ҳ. Ғулум, Машғал. **Уялиш, тортиниш хаёлига келмасди.** Бунинг барчасини **Муҳаррам унинг хатти-ҳаракатидан, гап-сўзларидан, эрқаланишларидан кўриб турарди.** Шухрат, Шинели йўлбар.

2 эск. Ҳаракат қилиш, иш олиб бориш плани; режа, тактика. *Йўл устида ҳам, Тошкент билан яширинча сўз олишиб, хатти-ҳаракат чизиб туришдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХАТТОТ** [а] Чиройли ва аниқ ёзадиган одам; каллиграф. **Навоий асарлари машҳур хаттотлар томонидан кўчириландир.**

**ХАТТОТЛИК** хаттот с. касб оти. **Хаттотлик қилмоқ.**

**ХАТ-ХАБАР** [а] Хат ва хабар, дарак. **Акамдан хат-хабар келмай қолди.**

**ХАТЧЎП** [а+ф+т] Ўқилаётган бетни кейинча осон топиш учун китобни чизиб қўйилган ранг-баранг ипак ўралган махсус узун чўп ёки бир парча қоғоз, лента ва ш. к. [Ибн Сино] келган жойига **хатчўп солиб.** **Китобни тоқчага олиб қўйди-да, ўрнига кириб ётди. М. Оснм, Китобга илҳос. Лолаҳон китобга хатчўп солиб бекитди-да, стол ёнидан кўзгалди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.**

**ХАТ-ХУЖЖАТ** [а] Хат ва ҳужжат (лар).

**ХАФА** [ф+т] 1 Ғамли, қайғули, ҳасратли. **Хафа киши.** — **Камбағал учу-ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин. Чунки хўжайиннинг хурсанд, хаф-чоғлари бўлади. Олдин унинг кайфи билмиш керак. Ойбек, Қутлуг қон. Кумуш жуда хафа кўринганликдан унинг кўнглини очмоққа тўғри келарди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ранжиган, озор топан, безган; аразлаган. **Қимдан хафасиз? Мендан хафа бўлманг.** — [Вера:] **Мақтаб билганида тўйингни бир йил кейинга қўйдирар эди. Яширдинг. Ҳамма сендан хафа.** А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Хафа бўлмоқ** 1) қайғуга ёки ғамга ботмоқ. **Хотиним қиз туғди деб хафа бўлма, шернинг эркак-урғочиси барабар. Матал.** — **Хотин-қизлар тушунтирди. Мен ҳам илм олгим келди. Хафа бўлманг, жон ўртоғим, Мен комсомол бўлгим келди. Пўлкан;** 2) озор топамоқ, ранжимоқ; аразламоқ, безмоқ. *Йўлчи бироз сукут қилди, сўнг деди. — Сизга айтсам, хафа бўлмайсизми? Ойбек, Қутлуг қон. Хафа қилмоқ* 1) қайғуга ёки ғамга ботирмоқ. **Қудрат ён қўйиниси Раҳимни хафа қилгиси келмади шекилли, индамади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар;** 2) озор бермоқ,

ранжитмоқ; бездирмоқ. Нега болани хафа қилдинг? — Йўқ, Қамбар ака, — қатъий равишда деди Йўлчи. — аҳмоқ Танги сезса, хафа қилади. Ойбек, Кутлуг қон.

**ХАФАГАЗАК** [ф-т] 1 Яллиғланиш, газак олиш (яра ҳақида). Яра хафагазак бўлибди.

2 с. т. Хафа. [Людмила:] Зухра, бу нима қилиқ, ҳамма ўйин-қулиги билан, сен бўлсанг хафагазак бўлиб. [Зухра:] Сен хурсанд бўлсанг бўпти-да! Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

**ХАФАГАРЧИЛИК** с. т. Хафалик. Одам деган вақти чоғликда ҳам, хафагарчиликда ҳам понагисини йўқотмасани тузук. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАФАЛАНМОҚ** Хафа бўлмоқ. Кеча Ойқиз шидан чарчаган-ҳориган ҳолда хафаланиб қайтди, чунки кутилмаганда кириб келган тоғаси билан рашиди-ю, ўртада анчагина кўнғилсиз сўзлар бўлиб ўтди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАФАЛАШМОҚ** Бир-биридан хафа бўлмоқ, келиша олмай қолмоқ; койишмоқ. Гапимни қайтариб, бунақа обрўйимни тўқадиган бўлсангиз, хафалашиб қоламиз! А. Қаҳхор, Оғрик тишлар. Шу кунги кечқурун Жумакул ота дастурхон бошида ўз ўғли Наврўз билан қаттиқ хафалашди. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**ХАФАЛИК** хафа с. белги оти. Амалдордан ошна қилма, хафаликни сотиб олма. Мақол. — Зайнаб хафалиги ошан кезларда қариндош-уруғлариникига юриб, чигилини енар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [Нигоранинг] ноғиз қирмизи.. юзида хафалик, .. кўзларида чуқур ўйчанлик бор эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАФАОМУЗ** [ф-т] Хафа бўлган сингари, маъюслик билан. Фотима чиройли кўзларини ийх ўйнатиб, қони қочган билакларини ишқаб, хафаомуз гапирди. Н. Ёқубов, Бўсагада.

**ХАФАХОН** айн. хафақон 1. — Қомилжон ака, — деди Содиқ хафахон овозда, — қанча зарар бўлса тўлаймиз. Мени овоз қилинг, бу қийноқдан. И. Раҳим, Ихлос. || [Зуннунов] сайил тугагунча.. хафахон юрди. И. Раҳим, Ихлос.

**ХАФАЧИЛИК** айн. хафалик. Қўйинг, Сидиқжон, бу гапларни қўйинг, ярамайди.. Бунақа хафачилик билан бўладиган ишга мен ҳам рози бўлмайман. А. Қаҳхор, Қўшчиноқ.

**ХАФАҚОН** 1 Мунгли, ғамгин, хафақол. Унга ўз ўйлари чиешлини ёзиб олишга ёлғизлик, хафақон қалбига ором, нафаси бўғилатган ўпкасига ҳаво керак эди. Х. Ғулум, Машъал. Унинг устига сизни тўрт соатдан бери бу ерда итсиз боғлаб қўйиб, хафақон қилдим. А. Умар, Мухтор. | Дили сйёхлик билан ўтадиган. Хафақон, чалкаш кунларнинг бирида Ифандиёрни яна икки катта амалдори қочди. Мирмуҳсин, Чўри.

2 Қон босимининг ортиши туфайли юз берадиган касаллик. Баъзи кишиларнинг айтишига қараганда, онам хафақон касалига йўлиққан эмишлар. М. Мухаммаджонов, Тўрмуш уринишлари. Чолни кўрди: — Қонингиз ғолиб, Айтнинг, боқди сизни қай табиб? Дардингизни дерлар хафақон, Жоним билан қилайин дармон. Ғайратий. **Хафақон бўлмоқ** 1) қон босими ортиш касалига йўлиқмоқ; 2) диққат бўлмоқ, сиқилмоқ; хуноб бўлмоқ. — Бугун сени кўрганам жуда яхши бўлди-да, ўртоқжон, жуда зеркиб, хафақон бўлиб ўтирган эдим, — деди Раъно Хафизага. Мирмуҳсин, Умид.

**ХАФАХОЛ** [ф-т-а] Хафа бўлган, руҳи тушган, маъюс. — Оллоназар, фойтунни келтир, — деди Ислохўжа фойтунчига қараб, хафахол қиёфада. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ХАФИФ** [а] кт. Майин, ёқимли. Ажойиб баҳор кунни. Хафиф, ёқимли шамол эсади. Дарахтларнинг нозикниҳол барглари қўрқоқ кишиларнинг юраги янглиг титрайди. Р. Қомиллов, Имтихон. Булутларнинг оқистагина сайридан сезилар-сезилмас хафифи бир шамол юриб, енгилгина бир изғирин ҳам юзга келиб тўқинар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХА-ХА-ХА** унд. с. Кулгини ифодалайди. — Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди, қани гапиринг! — деди Раъно Анварга. А. Қодирий, Мехробдан чаён. — Ха-ха-ха... — Фазлидин Нурининг сўзларидан таъсирланиб қаттиқ кулди, — отанга пул керак бўлса, биздан қарз олсин. Ойбек, Кутлуг қон.

**ХАХОЛАМОҚ** Қаттиқ овоз чқариб кўлмоқ. Хотин-қизлар хахолаб кулишиб тарқалишдилар. Ғ. Ғулум, Тирилган мурда. Фазлидин ийрик тишларини кўрсатиб хахолади. Ойбек, Кутлуг қон.

**ХАХОЛАШМОҚ** хахоламоқ фл. бирг. н. Клубда ўтирувчи катта-кичик чолнинг ҳазилнома сўзига хахолашиб кулишди. М. Жўрабсев, Мулла Б. м.

**ХАХО-ТАРАЛА** с. т. Хурсандчилик, хушчақчақлик. Шу тариқа жами сайёҳлар — эру хотин, ёшу қари қий-чув, хахо-тарала билан оқшомга кетма-кет ҳамма чўмилиб чиқади. Х. Ҳасанов, Экватдордан ўтганда.

**ХАЧИР** От билан эшакдан урчиган иш хайвони. Бўри юриб-юриб бир жойга борса, бир хачир турган эмиш. «Эртактлар». «Оқтой» чиндан ҳам оқиб бўлиб, шалпанг қулоқлари хачирларникидай узун, оҳанжамаси зўр эди. Х. Назир, Сўнмас Чақмоқлар.

**ХАШАК** [ф-т] Қурганан ўт-ўлан, пичан. — Назар! Эшакларининг нариги бостирмага, ҳайда! Бўлмаса улар бирпасда хўкизларнинг хашагини еб қўяди, — деди хўжайини. Айний, Дохунда. Қўйлар кеча эрталаб охири тутам хашакни еб бўлишган. С. Анорбоев, Оқсой. Қоғоз эмас, хашак керак

чорвага, Чорва тўймак қуруқ шов-шув, ғаввога. А. Пулат.

◆ **Хашагини очмоқ** айбини очмоқ, фош қилмоқ. — Агар мен бирор ножўя қадам босганимда шу маҳалгача албатта мисим чиқиб, хашагим очилган бўларди, — деди Мамасодиқ. С. Абдуқахор, Санамай саккиз дема.

**ХАШАКИ** [ф-т] 1 Чорва учун озуқа, ем-хашак бўладиган. Хашаки лавлаги. Хашаки жўхори. Хашаки тут меваси уруғли, қора, қизғиш, оқиш, сарғиш рангларда бўладиган маҳаллий тут; чағир тут. Хашаки тут тагида она-бола доvon томонга кўз тугиб ётишарди. Й. Шамшаров, Бахт излаб.

2 Паст зотли, зотсиз, жайдари, маҳаллий. Хашаки от. Хашаки товуқ.

3 с. т. Оддий, содда (одам ҳақида). Аҳмадининг мақтаган чўни келиб қолди,.. буниси ҳам хашаки одамлардан экан. Ф. Мусажонов, Мехмонда. Мулла бўлса ҳам, хашаки муллалардан-да. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХАШАҚЛАМОҚ** с. т. Хашак емоқ. От хашаклади.

**ХАШАҚЛАТМОҚ** хашакламоқ фл. орт. н. Сигирни хашакламоқ.

**ХАШАҚХОНА** [ф-т] Хашак, пичан сақланадиган жой.

**ХАШАҚ-ХУШАК** Қуруқ ўт, чўп-лар; хас-хашак.

**ХАШТАК-ПАШТАК** айн. аштак-паштак. Ўрикдан турли усулда.. хаштак-паштак, қайс, баргак [олтингурут тутунни билан дудлатиб] ағло даражада туршак қилинади. Қ. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ХЕЗ** [ф-т]: хез қилмоқ айн. хезланмоқ.

**ХЕЗЛАМОҚ** 1 фольк. Тез ҳаракат билан олдинга интилмоқ, ташланмоқ; сапчимоқ, сакрамоқ. Бедов отлар чув деганда хезлайди. «Хушкелди». Майдон кўрса кийикдек бўб хезлайди, Душманга тишини доим тезлайди. «Равшан». | Ҳамла қилмоқ. Хезлаганда юрт олди, Ўлкалар четда қолди. Х. Олимжон. Давлат қуши муяссардир бошингга, Душман хезлаб келолмайди қошингга. Ислош шонр.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, қнстамоқ. Болани хезламоқ. Отни хезламоқ.

**ХЕЗЛАНОМҚ** хезламоқ фл. ўзл. н. — Бўлди, бўлди, бу ҳазил дадандан чиққан! — деди ўшқириб Шакар буви ва худди талайдигандай, эриса хезланди. Х. Назир, Ўтлар туташганда. Қудрат занжирланган шердай хезланиб дзотга қаради. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. У[Акмал] Назоқатнинг олдига кириш учун шунча хезланди-ю, бироқ қизишиб турган бир пайтда яна қош қўймак деб кўз чиқариб қўйишдан хайиқди. Ж. Абдуллахонов, Йўл.

**ХЕЗЛАТМОҚ** 1 хезламоқ фл. орт. н. Ана шундай қилиб Ҳасан эртдан кечгача тинмай меҳнат қилиб, мангалайини терлатиб, камбағал батракларни бойларга қарши хезлатиб, не батракларни ўйлатиб, бир нечасини



*сўйлатиб юрпти.* Пўлкан, Ҳасан батрак.

**ХЕЛИ-ХЕШ** [ф-т] Қариндош, қариндош-уруғ.

**ХЕХЕЛАМОҚ** айн. кулмоқ. Қози домла кулгидан четда қолмади, калласини микиллатиб роса хехелади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ХЕ-ХЕ-ХЕ** унд. с. Хехелаган кулги товушини ифодалайди.— *Пари йигитга ошиқмисан? Хе-хе-хе! — Нега куласан, Гулшан опа? А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ХЕШ** [ф-т] эск. Қариндош, қариндош-уруғ, қавм-қариндош; яқин одам. [Қори:] *Ҳай-хай.. жаноблар Нусратилонинг хешлари эканликлари фақирга маълум ва лекин бошига ҳазрати Алининг муборак зулқадорлари келганда ҳам ҳаққу ҳақиқатдан юз ўғирмоқ одатим йўқ.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Хешу табор қариндош-уруғлар, хешлар. Ургилай, рост айтинг, қайда диёринг? Элатинг, уруғинг, хешу таборинг?* «Равшан».

**ХЕШ-АКРАБО**, **хешу акрабо** [ф-т+а] кт. Қариндош-уруғлар, уруғ-аймоқлар, қавм-қариндошлар; яқин кишилар. *Оҳким, ҳолимни сўрмас ошнолардан бири, Ошнолар, балки хешу акраболардан бири.* Муқимий.

**ХЕШЛИК** Қариндошлик, қариндош-уруғлик муносабати. *Сизнинг раис билан хешлигингиз борми?*

**ХИ** айн. **хих.**

**ХИВИЧ** Хўл, узун новда, хипчин. *Бўтабой тол хивичини ўйнаб хиройи қилиб келарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қоля синглиси билан Мактабда ўқир эди. Бўй бўлганда хивичдан Саватча тўқир эди.* Уйғун.

**ХИВИЧЛАМОҚ** Хивич билан урмоқ, саваламоқ.

**ХИВИЧЛАНМОҚ** хивичламоқ *фл. мажх. н.* Хивичланган кучук.

**ХИВИЧЛАТМОҚ** хивичламоқ *фл. орт. н.*

**ХИЁБОН** [ф-т] 1 эск. Катта, кенг кўча; проспект.

2 Икки томонга қатор дарахт, бута ва гуллар ўтказилган йўл ёки йўлка; бульвар. *Кезарман сайр этиб, тун-кун Хиёбонимда, боғимда.* Ҳабибий. *Битта шичаннинг қўли чўлга хиёбон келтирар.* С. Абдулла.

**ХИЁЛ** [а] *рвш* 1 Билинар-билимас даражада; озгина, салгина, сал. *Бу пиёла унингдан хиёл катта.* — *Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очик лаби титради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Булар бориб ётганига ярим соат бўлар-бўлмас, тахминан юз элик метр наридаги якка бута хиёл қимирлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Озгина вақт, озгина фурсат, дам. || *Хиёл вақт.* — *Тўйибу паранжисини олиб, уйга кириб кетди. Хиёл ўтмай эзилган, кирроқ бир қоғозни кўтариб чиқди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ХИЁНАТ** [а] Аҳдини бузиш, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган

нарсасини сунистеъмом қилиш. *Ҳабибий, кимда виждон бўлса, йўл бермас хиёнатга, Ҳалол меҳнат билан етгай шарафга ҳам саодатга.* Ҳабибий. *Девонда ва бутун маҳкамларда хиёнат ва ришват зўрайган.* Ойбек, Навоий. | *Хоинлик, сотқинлик. Халққа хиёнат — оғир жиноят.* — *Биласизми, отахон, икковимизнинг шу топда тирик қолишимиз ватанга хиёнат бўлади.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Хиёнат қилмоқ** 1) аҳдини бузмоқ, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини сунистеъмом қилмоқ. *Омонатга хиёнат қилма.* Мақол. — *Чамаси, устозига бир хиёнат қилгандан кейин менинг ҳовлимда ётиб юрган экан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён; 2) ёри ёки севгилсига нисбатан вафосизлик қилмоқ, бошқага, бегонага кўнгил бермоқ. *Шу чоққача бир хотинга ёмон кўз билан қараганим ва ўз хотинимга хиёнат қилганим йўқ.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит; 3) хоинлик қилмоқ, сотқинлик қилмоқ. *Уларнинг [Жадиализм лидерларининг] кўпчилиги революцияга қабиҳларча хиёнат қилдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, 5 февраль.

**ХИЁНАТГАР** [а+ф-т] эск. айн. **хиёнатчи.**

**ХИЁНАТКОР** [а+ф-т] айн. **хиёнатчи.** Танқид кўриб, хиёнаткорнинг димоғи куйди, ўт тушиди режасига, қўйган тузоғи куйди. С. Абдулла. *Хиёнаткорнинг дўсти бўлиб танилган Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадир.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХИЁНАТКОРЛИК** хиёнаткор с. белги *оти.* *Хиёнаткорлик қилмоқ.*

**ХИЁНАТКОРОНА** [а+ф-т] *рвш* Хиёнатчиларга хос; хиёнаткорларча. *Хиёнаткорона хужум.* — *Булуллар орасидан ой хиёнаткорона мўралади, «хой уятсизлар, ҳаддларингиздан ошманглар», десаңдай илжайиб, атрофни ёритди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

**ХИЁНАТЧИ** Аҳдида турмайдиган, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини сунистеъмом қилдиган киши; алдоқчи, муттахам. *Унинг [Ҳамзахўжаевнинг] олдида уч йўл бор. Биринчиси — хиёнатчиларнинг патини тўғритадиган ҳамлага ўтиш.* «Муштум», 1962, № 11. | *Сотқин, хонин.*

**ХИЁНАТЧИЛИК** кам қўлл. **хиёнатчи** с. белги *оти.* *Хиёнатчилик pozичияси.*

**ХИЖИЛ** [а] Хижолатда қолган, кўнгил гаш, нотинч. *Ҳақиқатан ҳам Турсунбой паршон эди. Саодат билан бўлиб ўтган тунги суҳбатдан яраги хижил, ичига шам ёқса ҳам ёришмасди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Бир уятчан йигит бетоб ётган қайин отасиникига уялиб борма йарар ва бундан ўзи ҳам хижил эди.* А. Муқимов, Ҳол сўраш. **Кўнгил хижил бўлди** бирор нарсадан хижолат тортиди, ўзини ноқулай сезди, нотинч бўлди. *Қудрат ўз ҳаёли билан*

*банд бўлиб, Кўзибой эса Қудратнинг оёғига тош тушириб юборганидан кўнгли хижил бўлиб индамай боришарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Кўнглини хижил қилмоқ** хижолатга солмоқ, ноқулай аҳволга солмоқ, гаш ёки нотинч қилмоқ. *Бу, қизга бир томондан ёқса, бир томондан кўнглини хижил қилмоқда эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ХИЖИЛЛИК** хижил с. маъ. *от.* [Мирзанинг] *кўнгли гаш эди. Лекин бу хижиллик қанча кучли бўлмасин, соат миллари беиша яқинлашган сайин.. кўнгли яйра борарди.* О. Ёқубов, Мирза, терак.

**ХИЖОЛАТ** [а] Уятдан ўзини ноқулай, ўнғайсиз сезиш; уялиш ҳисси. *Қодир Қобил кулодан отаси ҳақидаги сўзларни эшитиб, Нодирнинг олдида хижолатдан бош кўтаролмай қолибди.* «Эртақлар». — *Қўл майиброқ ўғлим, қўл майиброқ,— деди чол Сидиқжонни хижолатдан чиқариб,— ман шу ўнг қўл қарама!* А. Қаҳҳор, Кўшчинон. **Хижолат бўлмоқ** (ёки **тортмоқ, чекмоқ**) бирор нарсадан уялмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга тушмоқ. *Узим хижолат бўлиб кетдим, ўтирганлардан уялдим.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Бу фавқулудда юқори мақтовдан Навоий хижолат тортди.* Ойбек, Навоий. **Хижолат қилмоқ** (ёки **чектирмоқ**) ёки хижолатга қўймоқ бировни уялтирмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга туширмоқ. *Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўқинар, лекин иш ўтган эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. **Хижолатда қолмоқ** ўнғайсиз, ноқулай ҳолатда қолмоқ, уялиб қолмоқ. *Эммурад хижолатда қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХИЖОЛАТЛИ** Хижолат ёки уялиш аралаш; хижолат акс этган. *Уларнинг.. иккинчиси юзидан хижолатли кулли сираш ўмайидиган, узун бўйли Маърифатой — Абдурасулнинг хотини эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Кишини хижолатга қўядиган, уялтириб, ноқулай аҳволга соладиган. Хижолатли иш.*

**ХИЖОЛАТЛИК** 1 хижолат с. маъ. *от.* *У хижолатлигидан гапиролмай қолди.*

2 айн. хижолат. — *Яна кўнгилирига бошқа гап келмасмикан? — деди Адолат хижолатлик билан.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ХИЖОЛАТОМУЗ** [а+ф-т] Хижолат бўлган ҳолда, хижолат бўлиб, хижолат тортиб. — *Доктор кўзига равшан бўлади деган эди, — деб хижолатомуз жилмайди Саври опа.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Саттор Ҳуломович ўтирганларга хижолатомуз нигоҳ ташлаб олди-да, давом этди.* Х. Тўхтабоев, Шингил хижолатлар.

**ХИЖОЛАТПАЗЛИК** с. т. Хижолат. *У [Салима] бу масалада фақат акасининггина эмас, ўзининг ҳам айбдорлигини сезиб, хижолатпазликдан терлаб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг



роман. Турғунов ўзини билмаганга олган бўлса ҳам, Бўрибой хижолатпазлик билан илжайиб ёлғонлади. Меҳмон келган эди. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ХИЗМАТ** [а хидмат] 1 Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат. *Бир кун эшон мени.. чақириб: «Ўғлим, — деди,— мана энди бизга анча хизматинг сингди». Ф. Ғулом, Шум бола. Манзур бўлса халққа хизматим, Мукофотдан шу ўзи ортиқ! Ё. Мирза.— Агар менинг бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилар экан,— деди ҳожи,— менга энг манзур бўлган мукофот ўғлимнинг озод қилинишидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Бирорнинг ишини бажариш, унга ёрдам бериш, яхшилик қилиш; яхшилик. *Бу хизматингени сира унутмайман. — [Меҳри:] Бой хизматга тўхмат қилиб, дадангни уч ой қаматтирди. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. [Эликбоши Ҳакимбойваччага:] Катта ўрис ҳокимларимиз эшитсалар жуда хурсанд бўлишлари аниқ, сизнинг хизматларингизни, ҳамиятингизни ҳеч вақт унутмайдилар. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 Бирор ташкилот ёки муассасада бажариладиган иш, вазифа; лавозим. *Кичкина хизмат, бироқ тушуми чакки эмас. Ойбек, О. в. шабадалар. Сиз оғайнилар, илгари хон ёнида қандоқ хизматда бўлган бўлсаларингиз энди ҳам ўша вазифада қолаберасизлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор ташкилот ёки муассасада ишлаш. Хизмат жойи. Хизматга кирмоқ. — У [Аҳрор халфа Фузайлихон] шу ердаги хизматга кириб, кейинчалик секин-аста биринчи синф ўқитувчиси бўлиб олди. «Мушғум», 1957, № 9. Хизмат ҳақи бирор иш ёки топшириқни бажаргани учун бериладиган ҳақ. Мана, Мутал полвон, ҳозирча оз бўлса ҳам шунини олиб турасиз, аммо хизмат ҳақингиз ўз йўлига бўлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Иш, вазифа, функция. *Заворнинг хизмати нимадан иборат? — Умурзоқ ота, кечга қолган йўловчига нишон хизматини ўтайдиган фонарни ёқиб қўймоқчи бўлди-да, ўнг қўлига таяниб, ўрнидан турди. Х. Ғулом, Машғал.*

5 Иш, топшириқ, вазифа. [Ҳомид:] *Кишининг хизматидан қочган одам эмасман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хизматингизга тайёрман нима иш буюрсангиз бақараверман, буйруғингизга мунгазирман. [Шофёр йигит:] Хизматингизга доим тайёрмиз. С. Анорбоев, Оқсой. | Сўроқ интонацияси билан айтилиб, «қандай иш ёки топшириқ бор?» деган маънони билдиради.— *Хўш, ўртоқ Дусматов, хизмат? — деди Давлатёр. П. Тур-**

сун, Ўқитувчи.— *Хизмат? — деди у [Акрам] юмишқ креслонинг сунячиғига ўзини ташлаб, Нигорага тикилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

6 с. т. Армия ёки флот сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ. *Хизматга қақрилмоқ. — [Ота-оналар] бундан бир ёки икки йил илгари аскарликка узатган ва хизматини тугатиши олдида урушга тўғри келиб, ҳозир жанг қилаётган болаларни эсладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

7 Армия составидаги айрим ихтисослашган соҳалар ёки тармоқлар. *Алоқа хизмати. Медицина хизмати. Разведка хизмати.*

◆ **Хизмат кўрсатган** меҳнати эътироф этилган кишиларга бериладиган фахрий унвонлар таркибида ишлатилади. *Хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хизмат кўрсатган хон арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Хизмат кўрсатмоқ* кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлиқ бирор иш қилмоқ. *Маданий хизмат кўрсатмоқ. — Қасба союз комитети ишчиларга, хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига медицина хизмати кўрсатишнинг ташкил қилинишини текширади. СССР Олий совети ведомствлари. Хизматда (ёки хизматингизда) бўлайлик* бирор кимсани меҳмондорчиликка таклиф қилганда илтифот юзасидан айтиладиган ибора. *Мулла Ғулом, бугун хизматда бўлайлик, қўл бўшади дегунча тўғри келаверасиз. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

**ХИЗМАТДОШ** [а+ф-т] Бирга хизмат қиладиган кишилар (бир-бирига нисбатан); ҳамкасб. *Кўчада хизматдош дўстларни учратиб қолдим. — Бу ердаги эски хизматдош кадрдонларини эсига туширди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.*

**ХИЗМАТКАШ** [а+ф-т] 1 айн. хизматкор.

2 Ишдан қочмайдиган, ишни яхши бажарадиган; ишчан, меҳнаткаш. *Хизматкаш йигит.*

**ХИЗМАТҚОР** [а+ф-т] 1 Революциядан олдинги даврларда бой ёки мансабдорларнинг шахсий хизматини, уй ишини қилувчи киши. [Қодиржон:] *Бу хизматкор баттоллар қайси ерда қолди экан? Вақт ҳам анча бўлиб қолибди. Ҳамза, Қим ўғри? Уйласанг-чи, келиб-келиб шу таги наст бир хизматкорга хотин бўлдингми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 Халқ ёки жамият манфаати учун хизмат қилувчи. *Депутат — халқ хизматкори. — Йўлингга кўз тикар, тикар албатта. Улғайсанг, ўқиб бўл элга хизматкор! М. Алави.*

**ХИЗМАТҚОРЛИК** хизматкор с. мавҳ. от. *Хизматкорликка Йўлчибойни сўрамоқчиман. У сигналан одам, сан нима дейсан? Ойбек, Қутлуг қон.*

**ХИЗМАТҚОРХОНА** [а+ф-т] кам қўлл. Революциядан олдинги даврларда: бойларнинг хизматкор, малай ёки

қароллари яшайдиган махсус уй. *Унсин хизматкорхона эшигиде мағрур, лекин ғамли, ўйчан ҳолда турган акасини кўриши билан югуриб бориб, уни қучоқлади. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ХИЗМАТОНА** [а+ф-т] кам қўлл. Хизмат учун тўланадиган ҳақ.— *Бизнинг вазифамиз, мана шу шартларга биноан... хизматона ва ширинкома олишидир,— деди [ноиб]. Айний, Судхўрнинг ўлими. [Эшон қози] мазкур ҳаққи хизматонани астагина енларига солдилар. А. Қодирий, Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан.*

**ХИЗМАТЧИ** 1 Бирор идора ёки корхонада ёзиш-чиши билан шуғулланувчи киши; ходим. *Унинг иштинмой келиб чиқиши — хизматчи. — Капитализм халқ меҳнатининг ҳамма соҳаларида хизматчилар сонини ҳаддан ташқари тезлик билан кўпайтиради, интеллигенцияга бўлган талабни тобора кучайтиради. В. И. Ленин, К. Каутский китобига рецензия. Идора хизматчиларининг бир мажлисида Сулаймоновни роса сулайтиришди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. Ўқувчи, ўқитувчилар ва хизматчилар харита олдида туриб, узок муҳокама қилдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. | Умуман меҳнаткаш киши; ишчи. Эркинни қўлдан берма, Яша, хизматчилар. Ҳамза. Улар темир йўл хизматчилари эди. Ойдин, Сухбати жонон.*

2 айн. хизматкор 1. *Хушрўй хизматчини ўчоқ боши юмушларига бузюрб, чойни ўзи қуйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.— Ош тайёр бўлипти,— деб келган хизматчи Ўрмон полвоннинг сўзини кесди. Айний, Қуллар.*

**ХИЗМАТЧИЛИК** 1 хизматчи с. мавҳ. от.

2 айн. хизматкаш 2. *Икки йил мой жувоз ҳайдаб ўзини «йиқилса ер тишлайдиган» хизматчилигини кўрсатган, унга «харидорлар» кўпаяди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ХИЗР** [а] (X—катта) дин. Афсонавий пайгамбар: у ҳаёт булогидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган; оғир ахволда қолган кишининг мушкулни осон қилар эмиш; у билан учрашган, кўришган одам бахтли бўлар эмиш. *Ёш шахзодамушга тангри таоло Хизр умрини, Сулаймон тахтини берсин. Ойбек, Навоий. Тўғонбек. . . елғиз ўтирган Тўқли меранга кўзи тушиди-да, гўё Хизрга йўлққандай мамнун бўлса ҳам, . . . гурур билан кўришди. Ойбек, Навоий.*

◆ **Хизрни йўқласан** (ҳам) бўлар экан сўзловчи йўқлаб ёки истаб турган одам тасодифан келиб қолганда айтиладиган ибора.— *Хизрни йўқласанг бўлмасмиди,— деди Тўлаган кулиб. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.*

**ХИЙЛА** [ф-т] ривш Маълум даражада, бир мунча, анча. *Беморнинг соғлиги хийла яхшиланди. У сендан хийла ёшироқ. — Аҳмаджоннинг бўлинмаси қўшини бўлинма билан бирликда кечқурунга бориб душман позициясига*

хийла кириб борди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Энди бу ерда манзара хийла ўзгарди: атроф торайиб, тепаликлар, дарахтлар қишлоқ юзини тўса бошлади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Бир мучча фурсат, анча вақт. Биз вокзалда хийла кутиб қолдик. ■ Эргаши ота хийладан кейин келди. О. Ёқубов, Қаххорман излаб.

**ХИЙЛИ** [ф-т] с. т. Хийла. Ленин фарзандлари қалбининг кучи Атомлар сиридан хийли буюқдир. Ғ. Ғуллом.

**ХИЛ** [а] 1 Бирор нарсанинг нави, тури; зот, жинс. Бир неча хил газлама. Ун хил мева. Хилларга ажратмоқ. Кутубхонада ҳар хил китоблар бор.

■ Партияда икки хил интизом бўлиши мумкин эмас. «КПСС Устави». Одамлар икки хил бўлиб қолишиди: суюнишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмас эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. От гижинг эди. Бўйнига ҳар хил латта-лутталар, иллар осилиб, «юган» ҳам урилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бир хил** 1) бир турли, бирдай; ҳар жиҳатдан тенг, баравар. Иккита бир хил қалам. Ҳаммага бир хил қарамоқ. ■ Совет мамлакатидаси барча халқлар учун бир хил турмуш, бир хил закон, бир хил мақсадни булар ўйлаб чиқарди, амалга ҳам оширди. Ойбек, Қуёш қораймас; 2) с. т. айрим, баъзи, баъзи бир. Бир хил одам ундай деса, бир хил одам бундай эди.

■ Бир нечаси юриб ҳайрон бўларди, Бир хиллари кўп пишаймон бўларди. Фозил шоир. **Шу** (ёки бу) хилда шундай, шунга ўхшаб; шу тартибда. Ишимиз бу хилда борадиган бўлса, план тўлмайди. ■ Буларнинг [эр-хотиннинг] ҳам жанжали шу хилда бўлса, яраштирайлик. А. Қаххор, Жонфигон. **Шу** (ёки бу) хилдаги шундай, шунга ўхшаш; шу тартибдаги. Шу хилдаги жоҳил кишилар қачон йўқ бўлар экан? Ҳамза, Тухматчлар жазоси. Шундай жимлик чўкдики, бу хилдаги жимлик айтгани тил бормайдиган. Бирор даҳшатли фожиага учраб ҳалок бўлган кишининг номи беҳосдан тилга олинган вақтда бўлади. А. Қаххор, Хотинлар.

2 Бирор нарса ёки кимсанинг сараси; энг яхши, сара. Улкада етишиди хил йиғитлар, Ғайратли, зийрак, дидил, йиғитлар. Ҳабибий.

◆ Бир хил бўлиб кетмоқ изтироб чекмоқ, тўлқинланмоқ, хаяжонланмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ; кўнгли бузилмоқ. Хат тазида қизи чизиб юборган хўрозча суратини ҳаммамизга бир-бир кўрсатиб чиққанида, бир хил бўлиб кетдим. Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси. **Хил тушмоқ** (ёки келмоқ) бир-бирига мос келмоқ, мос тушмоқ. **Кўп ўтмай** [Набижон билан раиснинг] ораларидан ола мушук ўтадиган, гаплари гапларига хил келмайдиган бўлиб қолди. О. Насриддинов, Ота ўғли.

**ХИЛА** айн. хийла.

**ХИЛВАТ** [а] Одамлардан, кўздан йироқ; ҳеч ким кўрмайдиган, пана,

овлоқ, чекка.— [Чол] биз билан хилват уйда гаплашиди.— деди. Усмон. О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. Усмонбек Уратепа қозисига қарашли хилват ва дабдабали уйда ёлғиз, дарида ёнида ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий картасини кўздан кечирмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Одам кам бўладиган, холироқ, тинч. **Хилват жой**. **Хилват кўча**. ■ **Имтиҳон ҳафта**си кириши билан факультетда хилват бурчак қолмади. А. Қаххор, Сароб. Кейинги яшанба борилган жой ҳақиқатан салқин, хушхаво, хилват ер экан. С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров. || [Ҳусайн:] Дўстим, ёшигимизни замон олиб кетди. қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик. Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Хилват қилмоқ** панада суҳбат қурмоқ, гапиршимоқ. **Бунча беғамсиз?** **Хилват қилиб бундоғ гапирсангиз** бўлмайди-ми?! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХИЛВАТГОҲ** [а+ф-т] Хилват жой, овлоқ жой, чет жой. **Хилватгоҳда** яшамоқ. ■ **Кимсасиз бу хилватгоҳлар** қўйнида турли-туман кемурувчи, емирувчи, ўрмаловчи, думалаб юрувчи жондорларнинг изи жуда кўп. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. | Тинч, осойишта жой. [Тоғнинг] ҳар ўнгири — хилватгоҳ. Ҳар ирмоғи — бир қўнғироқ. Шўхрат, Мангулик.

**ХИЛВАТНИШИН** [а+ф-т] эск. кт. Хилватда яшашни севадиган, хилватда якка-ёлғиз яшайдиган одам.

**ХИЛВАТНОНА** [а+ф-т] Хилват ёки овлоқ жойдаги уй, бино.

**ХИЛЛАМОҚ** 1 Хилларга, навларга ажратмоқ. Қовунларни хилламоқ. Пиллани хилламоқ.

2 Танлаб олмақ, сараламоқ. Гулларни хилламоқ. ■ **Мақтаб ташкилотларини** қўлга оланган кейин, ўқувчи ва муаллимларни хиллаш керак бўлади. А. Қаххор, Сароб.

**ХИЛЛАНМОҚ** хилламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Хилланган шафтоли. ■ Тўқайда ишлагани хилланган одамлардан махсус бригадалар тузилди. А. Қаххор, Қўшчнор.

**ХИЛЛАТМОҚ** хилламоқ фл. орт. н.

**ХИЛЛИ** Навли, турли. **Кўп хилли**.

**ХИЛЛИК** хил с. белги оти. Уруғнинг бир хиллиги. Ранеларнинг ҳар хиллиги.

**ХИЛМА-ХИЛ** Ҳар хил, турли-туман. **Хилма-хил кийимлар**. **Хилма-хил овқатлар**. **Хилма-хил хабарлар**. ■ Уч томони хилма-хил мева дарахтлари билан ўраб олинган кенг ҳовлининг ўртаси то кўз етганча ишком эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бири дарё очар чўлларда**, **Бири тўқир читлар хилма-хил**. Х. Пўлат.

**ХИЛМА-ХИЛЛИК** хилма-хил с. белги оти. Имлодаги хилма-хиллик.

**ХИЛОНДОН** [а+ф-т] эск. Ичига соқол тароқ, қайирма пичоқ, тиш қовлагич каби буюмлар солиб, белбоққа осиб юриладиган чармдан ясалган кичик сумка.

**ХИЛОФ** [а] Зид, қарама-қарши, тескари. **Фанеа хилоф дағво**. Қойдага хилоф ҳаракат. **Интизомга хилоф равишда**. ■ **Барча партия ташкилотлари** маҳаллий масалаларни мустақил равишда ҳал қилдилар, лекин уларнинг чиқарган қарорларни партия қарорларига хилоф бўлмагани керак. «КПСС Устави». Ҳа деб қонунга хилоф иш қилаверсак, охири қандай бўларкин? Н. Сафаров, Уйғониш. **Хилофи шаръий** шарият, дин кўрсатмаларига зид, қарши. **Мана шундай хилофи шаръий** ишларинингнинг касофатидан бундай кунларга тушидигиз. Айний, Қуллар.

**ХИЛ-ХИЛ** айн. **хилма-хил**. Пойгакда очилган хил-хил пойгак, Менине назаримда ўзи бир дунё. Зулфия.

**ХИЛХОНА** [а+ф-т] Қабристоннинг бирор уруғ-авлодга ёки маҳаллага, ўзига қарашли марҳумни дафн этиш учун ажратилган бир бўлаги, бир қисми. **Марҳумнинг хилхонаси** қабристоннинг жануб томонида эди. ■ **Чига**той кўчасин сўла томонида. **Ўтсангиз** муқаддас хилхона тараф, Саноксиз қабрлар ғаладониди **Ётибди** **Отелло** — у буюк араб. А. Орипов.

**ХИЛЪАТ** [а] эск. кт. Одатда инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. Луодан кейин ҳудайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва қора бахмадан тикилган мизрабошимлик хилъатни Анварга кийдирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Умуман тоза кийим, либос. **Ажаб хилъат** ярашган қомати зеболаринг бордир. Муқимий.

**ХИЛҚАТ** [а] 1 эск. кт. Яратилиш, бунёдга келиш. **Олам китобига ёзилди** **Бу мўъжиза**, **бу янги хилқат**. Ғ. Ғуллом.

2 Яратилган, бунёдга келган нарса ёки кимса.

**ХИМИЗАТОР** [р] Химизация иши билан шугулланувчи киши, химизациялаштириш мутахассиси. **Химизатор-агроном**.

**ХИМИЗАЦИЯ** [р] Химия фани ютуқларини ва химиявий усулни халқ хўжалиги тармоқларига тадбиқ этиш; химизациялаштириш.

**ХИМИЗАЦИЯЛАШТИРМОҚ** Химия ютуқларини ва химиявий ишлаш усуларини халқ хўжалигига жорий қилмоқ (мас. қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, ўсимлик касалликларига ва бегона ўтларга қарши химиявий моддалар воситасида курашмоқ; деҳқончиликда минерал ўғитларни қўлламоқ).

**ХИМИК** [р] Химия мутахассиси, химия олими.

**ХИМИК** [р химический] айн. **химиявий**.

**ХИМИКАТ** [р] Химиявий усулда тайёрланган препаратлар, химиявий моддалар.

**ХИМИЯ** [р<а] Табиёт фанининг бир соҳаси — моддаларнинг таркибини, тузилишини, хоссаларини, шунингдек бир модданинг бошқа бир моддага айланишини ўрганувчи фан. **Неорга-**

ник химия. Органик химия. Химия факультети.

**ХИМИЯВИЙ** [а] 1 Химияга оид, химияга тегишли. Химиявий анализ. Химиявий реакция. Химиявий формула. Химиявий элемент.

2 Химия фанига асосланган ҳолда тайёрланган. Химиявий маҳсулотлар. Химиявий препарат.

3 Химия санвати маҳсулотларини ҳарбий мақсадларда қўллашга ёки қўлланилишига асосланган. Химиявий куроллар.

**ХИНА** [а] 1 Пояси сер эт, қизғиш гулли, япроқлари тол баргига ўхшаш зийнатли ўтсими ўсимлик.

2 Шу ўсимликдан олинадиган, қўл, тирноқ, соч ва ш. к.ни бўяш учун ишлатиладиган қизғиш-сарик рангли бўёқ. *Назми зулукдек қора сочини хинага бўяпти.* А. Эшон, Тошдан қаттиқ, гулдан нозик. У [Зарифа] хина қўйилган калта йўғон бармоқлари билан қўйлагининг ёқасини маҳкам тутамлаб олаан эди. О. Ёқубов, Тилла узук.

◆ **Хайтдан кейин хинани кетингга қўй с. т.** ўз вақтида кўрилмаган чоратдбир ҳақида.

**ХИНАЛАМОҚ** Хина қўймоқ. Тирноқларини хиналамоқ.

**ХИНАЛАНМОҚ** хиналамоқ *фл. мажх. н.* Ёқут кўзли олтин узук билан порласа, Келинчақнинг хиналанган нозик бармоғи. Ойбек.

**ХИНАЛИ** Хина қўйилган, хиналанган. Шу тағдўзи қайси бир Хинали қўйинг иши? Ғ. Ғулום.

**ХИНЗИР** [а] *эск. кт.* Чўчқа, тўнғиз.

**ХИНИН** [р] Медицинада асосан безгакка қарши ишлатиладиган аччиқ таъмли оқ кристалл кукум.

**ХИППА** *рви* Батамом, узил-кесил. Овози хиппа бўғилди. Сувени хиппа бўғиб қўйдик. Иштаҳам хиппа бўғилди.

— [Мушук:] Хиппа бўғиб, ёрсам тўиларин, Хузур қилиб есам ёўштарин! Я. Қурбон. | Жон-жаҳди билан, бирдан, тўсатдан. — Йигитмисан ўзи! — деди [Қамол] Валининг ёқасига хиппа қўй солиб. Ш. Ғулוםов, Саҳрода. [Асад:] Улим ёқангиздан хиппа олганда аттанг деманг! Улим ҳақ, ака, — дейди Қамолова. Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

**ХИПЧА** Ингичка, нозиккина; келишган. Алёнка қамишдек хипча бел, чиройли бир қиз эди. М. Осим, Элчилар. Сочинг сумбул, хипча келандир белинг. «Нигор ва Замон». У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Орқароқда ўтирган хипчагина қиз ўрнидан турди. Ш. Ғулוםов, Ёрқин йўллар. Хипчадан келган бели ингичкароқ, нозикроқ. Почталёон хипчадан келган, юлдузи иссиққина ўспирин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХИПЧАЛАШМОҚ** Хипча бўлмоқ, нозиклашмоқ. Қилсан Султонпоишанинг киртайган кўзларини, ориқлаб,

хипчалашиб қолган гавдасини кўз олдига келтирди. А. Мухтор, Туғлиш.

**ХИПЧИН** *айн. хивич.* — Хм, .. деди полковник ва хипчин билан этисининг учини ўйнаб ўтирган адъютантга боқди. Шухрат, Шинелли йиллар. Тўрабек .. баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўж-давара қилар, шу билан ҳоврини босар эди. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ХИПЧИНЛАМОҚ** *айн. хивичламоқ.* **ХИПЧИНЛАНМОҚ** хипчинламоқ *фл. мажх. н.*

**ХИПЧИНЛАТМОҚ** хипчинламоқ *фл. орт. н.*

**ХИРА** [ф-т] 1 Шаффоф эмас, равшан ёки тиниқ эмас; кир. *Хира ойна. Хира сув.*

2 Ярқираб кўринмайдиган, кирга ёки эскига ўхшаб кўринадиган. *Хира, нурсиз мато.* — *Хира сахтиён маҳсилар пардоздан сўнг илтирайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Аниқ эмас, нималигини ажратиб бўлмайдиган, яхши кўринмайдиган.

*Хира хат. Хира шарпалар.* — *Бу суратлар шундай хираки, ишчилар у ёқда турсин, Мусин билан Султоннов ўртоқлар ҳам ўзларини танилмадилар.* «К. Ўзбекистон», 1963, 1 ноябрь.

4 Яхши ёритмайдиган, кучсиз, заиф. *Хира ёруғлик. Хира лампочка.* Ой хира нур сочмоқда. *Чирокни хира қилмоқ.* — У [Туробжон] ҳам осмонга — хира юлдузларга қаради. А. Қаххор, Анор. || *Тегирмоннинг жин чироғи хира ёнмоқда.* С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан. *Қоронғи тушиди. Бибим жин чироқ ёқиб келиб, тоқчага қўйдилар. Уй хира ёришди.* С. Нуров, Башорат.

5 Яхши кўролмайдиган, кўриш қобилияти паст. *Мана шундай мағноли, Бузим айтган сўзлари. Электрдан нур олар Анди хира кўзлари.* З. Днёр. *Оқсоқолнинг хира кўзлари чақнади, аччиғи келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Жаранглаб чиқаядиган; хириллаган, хаста (овоз ҳақида). *Хира овоз. «Болам қорнинг тўғ экан, овозинг хира чиқди», — деди дадаси.* Ойбек, Қутлуғ қон.

7 Аниқ бўлмаган, аниқ ифодаланмаган; ноаниқ; чигил. *Хира фикр.* — *Дилдорнинг сўзлари борган сари қалбимни парчалаб, мавҳум, хира ўйларимни равшанлаштирар, яъни режа, яъни умид учқунларини алангалатарди.* «К. Ўзбекистон», 1963, 29 сентябрь.

8 *Кўчма* Кишини хурсанд қилмайдиган, кўнгли тўлмайдиган; камчилиги бор, номатлуб. *Ютуқларимиз кўп. Бироқ ишмиэнинг айрим хира томонлари ҳим.* «К. Ўзбекистон», 1963, 4 август. **Хира қилиб ётмоқ** (ёки **турмоқ**) бирор жойни банд қилиб эгаллаб кўринишни, кўркини бузмоқ. [Тўнка] *ётарди хира қилиб Ховлимиз бир бурчини.* Қ. Муҳаммадий. *Тўғқоши билан Хачкоп ўртасидеги тепалик эллик уч километр масофани хира қилиб ётибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

9 *Кўчма* Ғашга тегадиган; шилқим, сур. *Хира паиша.* — *Низомиддинов ҳозир табиати одам хоҳламаганидан, бу «бетамиз хира» одам кетармикан, деган ниятда ёлғондан эснади.* С. Аҳмад, Хуқм.

◆ **Кўнгли (ёки таъби) хира** хафа, гамгин; юраги ғаш, нотинч. *Ҳозиргача Абдурахмонов билан кўришолмаганим кўнглимни хира қилиб турарди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. *Бўтабойнинг бошига ёғилган маломатлардан Максимнинг ҳам таъби хира эди.* С. Аҳмад, Хуқм.

**ХИРАД** [ф-т] *эск. кт.* Ақл, заковат; донолик.

**ХИРАДМАНД** [ф-т] *эск. кт.* Ақлли, ақл-заковатли; доно. *Хирадманд одам.*

**ХИРАЛАНМОҚ** 1 Ўз шаффофлигини, тиниқлигини, равшанлигини йўқотмоқ; хира бўлиб қолмоқ, хиралашмоқ. *Кўёш ботди, оқшом чўкди далага, Хираланиб келар қўриқ этаги.* Ғ. Шоди.

2 Кучсизланмоқ, заифлашмоқ, нур сочини, ёритиш даражаси камаймоқ, яхши кўринмайдиган бўлиб қолмоқ. *Туман қуюқлашиб, ой хираланди.* — *Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан, Шоқир ота унинг қўлидан тутиб, куч билан судраб отақлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Сийрак оқ булут орқали хираланиб кўринган кўёш ғарбага қараб юмалай бошлаган бир пайтда отлиқлар қишлоққа кириб келиб, ўзларини ўраб олган одамлардан оқсоқолни сўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўриш қобилияти пасаймоқ, яхши кўролмайдиган бўлиб қолмоқ; хиралашмоқ. *Эртас эшитишга қизиққан боладек [Элмурод] чолнинг .. хираланган кўзларига тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *Кўчма* Бировни зериктирадиган, ғашга тегадиган даражада ҳаракат қилмоқ, хиралик қилмоқ; шилқим бўлмоқ.

**ХИРАЛАНТИРМОҚ** хираланмоқ 1— 3 *фл. орт. н.* Онда-сонда эримай қолган парча-парча қорлар севинаётган кўнглини хиралантирарди, холос. Ҳ. Шамс, Душман.

**ХИРАЛАШМОҚ** *айн. хираланмоқ.* Ой хиралайди. — *Қиз бош кўтариб бу бегона одамага бир ялт этиб қаради-ю, унинг [Жуманнинг] юзида хайрихоҳлик кўргандан кейин, гўё кўзидеги ўт бирдан ўчиб, назари хиралашди.* А. Мухтор, Туғлиш. У *Муҳаррамни кўриши билан Рашид ёдига тушиб кўнгли хиралашган бўлса ҳам, шу дақиқада жуда хурсанд эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Яхши эшитилмай қолмоқ, пасаймоқ; хирқирамоқ. *Йигитнинг овози алланечук хиралашиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ХИРАЛАШТИРИЛМОҚ** хиралаштирмоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Чўл лочинлари .. хиралаштирилган фотарь тағиди папирос тутатиб тоғг отирдилар. Ҳ. Ғулום, Сенга интиламан.

**ХИРАЛАШТИРМОҚ** хиралашмоқ *фл. орт. н.*

**ХИРАЛИК** хира с. белги оти. Ойнакнинг хиралиги. Кўзнинг хиралиги. — [Йўлдошев] дарҳол ваҳимали «миш-миш»ларни тўқийди-ю, баъзи кишиларга «қўл қўй», — деб хиралик қилгани-қилган, — деди Ҳаққал ота. А. Муҳиддин, Ҳада. Бўтабойнинг Эшон аяга хиралик қилишига ишонасизларми? С. Аҳмад, Ҳукм.

**ХИРАХАНДОН** [ф-т] с. т. Ўз хурсандчилиги учун бошқаларга озор берадиган; шилқим; безори. Мушукларни қийнаб, товуқларга тош отиб ўйнайдиган хирахандон болалар бўлади. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ХИРГОЙИ** [ф-т] Паст овоз билан айтиладиган ашула. Гуломжон дуторни қўлига олиб, ҳазин, мунгли бир хиргойи бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Султон дўриллаган товуш билан далани янгради, боёги хиргойисини энди авжига кўтарди. Х. Гулом, Машъал. У [Мунира] бир марта Матнийэ деган биринчи курс студентининг алақандай куйни хиргойи қилиб турганини эшитган эди. Ф. Мусажонов, Лофчи. У [жувон] тинч, фаровон ҳаётдан қувониб, гоҳ қўлидаги мурғак боласини эркалатиб, гоҳ ўзича хиргойи қилиб борарди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ХИРИЛДОҚ** айн. хириллоқ. У [Фармонқул] .. аввалгидай хирилдоқ товуш билан давом этарди. С. Маҳкамов, Дала тонги.

**ХИРИЛЛАМОҚ** Хир-хир овоз чиқармоқ, хир-хир қилмоқ. У хириллаб ухламоқда. — Эринчок тарғил мушук секин хириллаб келиб, олдинги оёқларини Қудратилахўжа ёнбошлаган болишга қўйди-да, роса чўзилиб керишди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Аввало моторнинг овози ўзгарди, хириллади, кейин бутунлай ўчди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан биринди.

**ХИРИЛЛАШМОҚ** 1 хирилламоқ *фл. бирг. н.* Итлар бир-бирига хириллашади.

2 кўчма с. т. Биров билан уришмоқ, айтишмоқ; жанжаллашмоқ. Эшик тўсатдан қаттиқ итарилди. Узоқда Шоқосимнинг ким биландир хириллашгани эшитилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХИРИЛЛОҚ** Хириллайдиган, «хир-хир» қиладиган (овоз, товуш ҳақида). Мутал кескин ўзарган ишқоятмуз хириллоқ овозга қулоқ солиб ўтираркан, тўсатдан, бахтсизликнинг терговда аён бўлган тафсилотлари эсига тушиб кетди. О. Ёқубов, Ларза. Фақат, қандайдир, хириллоқ ун чиқади. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**ХИРМОН** [ф-т] 1 Даладаги ҳосилни тўплаш ва тозалаш учун ажратилган жой, майдонча. Хирмонларнинг ўти тарашланиб сувоқдан чиқди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг

пахтазорига .. бошлаб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шундай жойга янчиш, тозалаш ёки қуритиш учун келтирилган махсулот (ғалла, пахта ва ш. к.). Ишга қўним — хирмонга унум. Мақол. — Сизнинг ўроғинизни ўрган, хирмонингизни янган, донингизни омборингизга ташиб берган, чексиз хўрланган бир инсонни биламан, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. Тезу саралаб тер, хирмон тоғ бўйсин, Янги ерлар яшнаб, гулшан боғ бўйсин. А. Пўлат. **Хирмон қилмоқ** 1) ҳосилни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ. Пахтани хирмон қилмоқ. Ғаллани хирмон қилмоқ; 2) кўп миқдорда тўплаб қўймоқ, уйиб ташламоқ. Уртада пул хирмондай уюлган. Оқ подшоҳнинг сурати тушган нуқул шилдирама қоғозлар. Ойбек, Қутлуғ қон. **Хирмон кўтармоқ** 1) ҳосилни йиғиб, тозалаб олмақ. Мен йўқ маҳалларда болаларни ўқитиб, имом бўлиб турасиз; қавмларим хирмон кўтарганларидан кейин, сизга бир-икки ботмон бўғдой ҳам йиғдириб бераман. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари; 2) ҳосил етиштирмоқ, ҳосил олмақ. Улуғ етти йилликнинг биринчи кўзини мўл-кўл хирмон кўтарди, муборакбод этдилар. А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин.

**ХИРМОН-ХИРМОН** Хирмонлаб; кўплаб, жуда кўп. Хирмон-хирмон ҳосил олмақ.

**ХИРОЖ** [а] тар. Феодал мусулмон хукмронлари даврида деҳқонлардан олинадиган ўлпон; солиқ. [Навоий:] Азиз фуқаро! .. Хирот беклари тарафидан ноҳақ солинган хирож бекор қилинди. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Хон томонидан хирож учун юборилган девонбекларини ўлдирган! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хирож тўлар эди Шош фуқароси. Шайхзода.

**ХИРОМ** [ф-т] поэт. Чиройли юрнш, ноз-таманно билан қадам босиб. Хиром айламоқ (этноқ, қилмоқ). — Хиромни кўриб товуслар боғларда рашиқдин, Чидолмай эртаю кеч, бу сабабдан оху афғонда. Муқимий. Ҳар дам хиром айлаб кирсанг гулзора, Гуллар кўксин йиртиб қилгай юз пора. Ҳабибий. Булбуллар сайраб, товуслар хиром қиляпти. Мирмухсин, Иғвогар у дунёда.

**ХИРОМОН** [ф-т] 1 поэт. Чиройли юрадиган, ноз-таманно билан қадам босадиган. Найларам боғу чаман, сайрнда жонон бўлмаса, Мисли товуслар кичиб, ҳар ён хиромон бўлмаса. Хислат. Отмазай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдоларинг сул узра нолон бўлмаса. С. Абдулла. Сарви хиромон қ. сарв 2.

2 кест. Бир-бир босиб, савлат тўкиб; хотиржамлик билан, бемалол. Юрди раис хиромон, Бир гап бўлар кетар деб. С. Абдулла.

**ХИРПА** 1 Бир томони тошга ишқаб силлиқланган; сийқаси чиққан, силлиқ (ошиқ ҳақида). [Султон кисовур] қўлида тўртта хирпа ошиқни ўйнаб келар эди. Ғ. Гулом, Шум бола.

2 кўчма Кўпни кўрган; қув, тулқак. Тулқиликда бу одам хирпа бўлиб кетган. Мирмухсин, Қизил дурралар. [У] баъзи эски хирпа амалдорларнинг кирдиқорларини ўрганди. Ойбек, Навоий.

**ХИРПАЛАМОҚ** 1 Тошга ишқаб, едириб текисламоқ, силлиқламоқ. Ошиқни хирпаламоқ.

2 кўчма Бурнини ерга ишқаламоқ; адабини бермоқ. — Биз ўттиз киши Бадиуззамоннинг эллик-олтмиш йиғитини обдан хирпаладик, — деди Арслонқул Навоийга иржайиб. Ойбек, Навоий.

**ХИРПАЛАНМОҚ** хирпаламоқ *фл. мажх. н.*

**ХИРПИ** айн. хирпа.

**ХИРС** [ф-т] с. т. Айиқ. Ўзи ҳам хирдан баттар кучли экан, то бошини қайиреунимча тагин икки туپни эзиб юборди. Ҳ. Назир, Бир туپ гўза. Катта темир дарвоза остида чўзилиб ётган хирдай ит бошини кўтариб ириллади. А. Қаххор, Бошсиз одам. Хирдай тўқ 1) овқатни кўп еган, қорни тўқ; 2) кўчма мўл-кўлчиликда яшовчи бой, бадавлат киши ҳақида.

**ХИРҲУРГ** [р] Хирургия мутахассиси; жаррох.

**ХИРҲУРГИК** [р хирургический] Хирургияга оид. Хирургик операция.

**ХИРҲУРГИЯ** [р <грек] Касалликни операция қилиш йўли билан даволаш. [Медицинанинг операция қилиш йўли билан даволаш масалаларини ўрганувчи бўлими.

**ХИРҲУРГЛИК** хирург с. касб оти. Хирурглик қилмоқ.

**ХИР-ХИР** тақл. с. Хириллаган овоз, товуш ҳақида. Хир-хир қилмоқ. — Ашуланинг сўзларини англаб бўлмасам ҳам, ҳар қалай хир-хир, тир-тирларнинг ичидан «ёра, ёра» деган сўзлар қулаққа чалинади. «Муштум», 1959, № 4. Аҳор хир-хир йўталди. Ш. Тошмагов, Тонгдаги қўланка.

**ХИРҚА** [а] эск. Дағал матолардан қураб тикилган либос; дарвешлар кийими; жанда. Бошида .. қулоқ, эғнида эски хирқа. Ойбек, Навоий. [Эски, жулдур кийим. Қамбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар. Муқимий.

**ХИРҚАПУШ** [а+ф-т] эск. 1 Жанда кийган; дарвешлик қилувчи, дарвеш. 2 Енгил-юпун кийинган; фақир, камбағал; тиланчи, гадоӣ.

**ХИРҚИ** айн. хирқироқ. Хонага жимлик чўкиб, тўсатдан яна йиғи товуши хавф солиб қолди. Шу тонда ҳаммадан теттиқроқ Оксана эркакча хирқи товуши билан бунинг олдини олди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ХИРҚИРАМОҚ** «Хир-хир» қилмоқ, хириллаган товуш чиқармоқ; хирилламоқ. Ҳа, йиғитлар, бардам бўлинглар. Файтон келиши билан дарров босамиз, деб хирқиради [Курбон юзбоши]. Ж. Шарипов, Хоразм. — Номард бўлай барининг додини бермасам! — деди [Махсум] хирқираб. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХИРҚИРОҚ** Хириллаган, «хир-хир» қиладиган; хириллоқ. *Радиокарнайда Охунжон қизиқ, хирқироқ товуш билан «Сумалакни ҳикоя қиларди. А. Мухтор, Туғилиш. Трубкадан аллақимнинг хирқироқ овози эшитилди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.*

**ХИСЛАТ** [а] Киши ёки нарсанинг муҳим ижобий белгиси, сифати; хусусият, фазилат. *Қамтарлик ҳам бир хислат. — Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати, Қумуш қишдан, зумрад баҳордан Қолишмайди кўзининг зийнати. Уйғун.*

**ХИСЛАТЛИ** Бирор хислатга эга, хислати бор. — [Икромжон] *қўп бамаъни, яхши ниятли, ажойиб хислатли киши. Бизнинг механизаторимиз Узиям техникани сиқиб сувини ичиб юборанлардан, — деб таърифлай кетди раис. И. Раҳим, Хислат.*

**ХИТ** Ўтмасланган, тўмтоқланган, дами қайтган (перо, қамиш қалам қабилар ҳақида). **Хит бўлмоқ** 1) тўмтоқ бўлиб қолмоқ, ёзмайдиган бўлиб қолмоқ. *Қалам хит бўлиб қолди; 2) тажаниб бўлмоқ, асабийлашмоқ. Сени кутавериб хит бўлиб кетдим. — [Рашидан половон] .. арзиманган нарсага кўнгли тоғдай ўсиб, арзиманган нарсага хит бўлиб кетади. О. Ёқубов, Ларза. Хит қилмоқ* 1) ўтмас, ёзмайдиган қилиб қўймоқ. *Перони хит қилиб қўйма!*; 2) тоқатини тоқ қилмоқ, асабийлаштирмоқ. — *Бўлмаसा нимда, айта қолсанг бўлмайди-ми? Одамни хит қилмай, — деб Дўндиқ бироз қизишиб ҳам олди. Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. [Шум бола:] Хўжайин, дейман, ўзингиз ҳам жуда хит қилиб юборар экансиз-да!* Ғ. Ғулом, Шум бола.

◆ **Кўнгли хит** таъби хира, кўнгли ғаш. *Гулнознинг ўйларни чигал, таъби хира. Шу сабабдан кўзи хатда бўлса ҳам, кўнгли хит. Х. Ғулом, Тошкентликлар.*

**ХИТЛАНМОҚ** кам қўл. айн. **хит бўлмоқ** қ. хит.

**ХИТЛИК** 1 хит с. бели оти. *Перонинг хитлиги.*

2 Қайсарлик, ўжарлик. [Қобил:] *Ҳа, нима, булар ҳам хитлик қиялтими?* И. Султонов, Бургутнинг парвози. *Утлаб юрган эшак хитлик қилиб қочди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ХИТОБ** [а] Бирор кучли ҳис-туйғу, ҳаяжонни ифодаловчи нидо, қичқирик. *Аёлларнинг йиги ва хитоблари, зотимларни қарғашлари, йигитларнинг мардона овозлари, баъзи кишиларни чўчитиб, олазарак қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Чақирик, мурожаат, шпор. «Бузуни дўстлик ва тинчлик абадий бўлсин!» деган хитоб эшитилади. «К. Ўзбекистон», № 76. Хитоб қилмоқ (ёки этмоқ) 1) кучли ҳис-ҳаяжон билан бирор овоз чиқармоқ; бақирмоқ, қичқирмоқ; 2) бировга мурожаат қилмоқ. — *Ўрнингдан тур, Ҳожибой!* — деб хитоб этди бирдан чол ўзига-ўзи. Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. *Қудрат тақачи ўнг қўлини баланд кўтариб,**

*солдатларга рус тилида хитоб қилди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

◆ **Хитоб аломати** (ёки белгиси) эск. айн. **ундов белгиси** қ. **ундов**.

**ХИТОБАН** [а] рви Мурожаат қилиб, мурожаат тарзида. — *Жанобнинг амрлари билан, — деди Анвар уларга хитобан, — энг оғир ва жавобгарлик бир хизматни ўз устимга олишга мажбур бўлдим. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. Ниёзмат ҳожи шолғомдай қизарди, терлади ва ўрнидан туриб Йўлчибойга хитобан алланарсалар деди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ХИТОБНОМА** [а+ф+т] Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундаб ёзилган мактуб, ёзма чақирик, мурожаатнома. *Тинчлик тарафдорларининг хитобномаси. — Мехнаткаш ёшлар союзининг иши, мақсади ва вазифалари ҳақида .. ёшларга қарата хитобномалар нашр этилди. А. Ҳамидхўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.*

**ХИТОЙ** 1 қ. хитойлар. *Хитой тили. || Хитой аёл.*

2 Хитойга, хитойларга хос; Хитойда ишланган. *Хитой маданияти. Хитой вазаси. — Эшон ая хитой лаганда қовурма олиб қирди. С. Аҳмад, Ҳукм. Тоқчаларда ҳар нав асбоблар, хитой чинчилар қалашиб ётади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

◆ **Хитой девори** 1) Хитойни Мўғулистондан ажратиб турган қадимий девор; Садди Чиний. *Ана, қатта қўрғон. Унинг уч томонидаги баланд деворлар Зейдиллага «Искандарномада таърифланган хитой деворига ўхшаб кўринди. Х. Ғулом, Машғал; 2) қўйма ўтиб бўлмас тўсиқ, ғов; ажратиб турувчи чега-ра. Сиз форма билан мазмун ўртасига хитой девори қўймоқчимисиз? Хитой ловия с. т. соя (ўсимлик). Хитой қоғоз с. т. юпқа шаддирок қоғоз. Эрталаб кичкина хитой қоғозга ёзилган хатни олиб, Серёжа Астахов орқасига қайтди. А. Раҳмат, Соқов бола.*

**ХИТОЙИ** Хитой мамлақати ва хитойларга оид; Хитойда тайёрланган. *Хитойи шоҳи. — Отабек шошиб тоқчадаги хитойи норин товоқни олди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Мирза Баҳром .. чўнтагидан кичкина дафтарча чиқариб Тавҳидийга берди ва бинойи иш қилгандай гердайиб, хитойи елпич билан ўзини елиди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.*

**ХИТОЙЛАР** Хитойнинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ.

**ХИТОЙЧА** 1 Хитойга, Хитой халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид.

2 Хитой тили. *Сиз хитойча(ни) биласизми? || Хитойча суҳбатлашмоқ.*

**ХИТОЙШУНОС** Хитой тили, адабиёти, маданияти ва тарихи билан шуғулланувчи мутахассис; синолог. *Хитойшуннос олим.*

**ХИТОЙШУНОСЛИК** Хитой тили, адабиёти, санъати, маданияти ва тарихини ўрганувчи фан.

**ХИХ** унд. с. Эшакни тез юргизишга

қисташ учун ишлатилади. \*У [Ҳасан овчи] *эшакни хих деб тезлатди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ХИ-ХИ** унд. с. Секин, босиқ товуш билан қулишни ифодалайди. — *Хи-хи-хи, — баққанача қулди чол. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХИХИЛАМОҚ** Секин, босиқ товуш билан қулмоқ. *Қамтарликдан ўрғилай, — яна хихилаб қулди банги. О. Ёқубов, Ларза. Ҳаммалари қулишиб, айниқса, Холмирза аканинг хихилашдан ичаги узилмаёзди. А. Қодирӣ, Обид кетмон.*

**ХИХИЛАШМОҚ** хихиламоқ *фл. бирг. н. Болалар хихилашиб қулишди.*

**ХИХЛАМОҚ** «Хих», «хих» деб эшакни юришга ундамоқ. *Майна эшагини хихлади ва шу зоҳотиёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг ҳам диққирлаган йўрғаси эшитилди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ХИШТ** [ф+т] эск. айн. **ғишт**. *Қўлингдан ўтмишидир ҳар битта хишти. Раҳмат дер ўзбекининг ўн етти пушти. Ғ. Ғулом.*

**ХИШТАК** [ф+т] Иштон, шим, чолвар қабиларнинг ҳар икки қисмини бир-бирига улашда чот оралиғига ёки қўйлақ қўлтиғига қўшиб тикиладиган туморча шаклидаги бир парча мато; оғ.

**ХИШТИН** [ф+т] эск. айн. **ғиштин**. *Отабек, Мирзакарим қутидор ва Офтоб ойим .. янги хиштин соғона қаршида тўхтадилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**ХЛОР** [р<грек] Химиявий элемент, сассиқ, заҳарли сарғиш-яшил газ; заҳарловчи ёки юқумсизланттирувчи восита. *Хлор оксидлари. Хлор кислотаси.*

**ХЛОРЛАМОҚ** Нарсаларни хлор воситасида ёки хлор қўшиб ишламоқ, зарарсизланттирмоқ, дезинфекция қилмоқ. *Сувни хлорламоқ. Тупроқни хлорламоқ.*

**ХЛОРЛАНМОҚ** хлорламоқ *фл. мажҳ. ва ўзл. н. Хлорланган сув.*

**ХЛОРЛИ** Таркибида хлор ёки хлор кислотаси бўлган, хлори бор. *Хлорли сув. Хлорли оҳак.*

**ХЛОРОФИЛЛ** [р<грек] Ёруғлик энергиясини ҳазм қилувчи ўсимликлардаги яшил пигментнинг номи.

**ХЛОРОФОРМ** [р<грек+лат] *хим. Ухлафадиган, ҳушсиз қиладиган хлорли рангсиз суюқлик, кучли наркотик восита. Хлороформ ҳидлатмоқ.*

**ХМЕЛЬ** [р] Чирманиб ўсадиган, айрим турлари пиво тайёрлашда ишлатиладиган ўсимлик; етмак.

**ХОБ** [ф+т] 1 *кт. айн. туш I. Хобимда сени кўрдим. — Эшитайчи, хўш, қани? Хобингиздаги қиссани. Яшин, М. Раҳмат.*

2 *айн. уйқу I. Саҳар эрка хўроз уйғонган эрди нозли хобидан. Ғ. Ғулом.*

**ХОБГОҲ** [ф+т] *кт. Ухлайдиган хона, ётоқхона. Хобгоҳда Хадичабемини қизлар ечинтириб, кечалик кийимларини кийдиришди. Ойбек, Навоий.*

**ХОДА** [ф+т] Катта дархатнинг бутоқлари, шох-шаббалари кесиб ташлан-

ган пояси, танаси; узун ёғоч. *Ингичка хода. Узун хода. Сада соя берар, тол хода берар.* Мақол. — У [Шербек] чайланинг оғзида хомага илиғлик турган хурмачани олаётиб, ичкарида хамир ёлётган Ойсулуга назари туиди. С. Анарбоев, Оқсой. Қимлар .. каппон томонга, кимлар беда бозори, хода бозорига шошади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Думни хода қилиб қ. дум I.

**ХОДИМ** [а] I Бирор идора ёки муассасада ишловчи киши, хизматчи. *Савдо ходими. Халқ маорифи ходимлари. Медицина ходими.* — Редакциянинг бир ходими икки ойлик отпусказга кетган, очил унинг ўрнига ишга кирмоқда эди. П. Қодиров, Уч илди. *Еш шоир эшикни қия очиб киришга рухсат сўради. Хонада ёлғиз биргина ходим ўтирарди.* Ф. Мусажонов, Хаётни билиш керак. **Илмий ходим** илмий текшириш муассасаларида ишловчи киши. *Катта илмий ходим. Қичик илмий ходим.* — Булардан бири Самарқанд таълим-тарбия академиясидаги бир илмий ходимнинг тез савод чиқариш тўғрисидаги тажрибасини қувватлар .. эди. А. Қахҳор, Мирзо.

2 эск. Революциядан илгари сарой ёки ўрдада хон, бек ва ш. к.нинг хизматини қилиб юрувчи киши. *Хон аёёнларига рухсат бериб ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 айн. **ходимгар.**

**ХОДИМА** [а] Аёл ходим. *Ўттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ховлида .. ходималар малликанинг икки томонига ўтди.* Ойбек, Навоий.

**ХОДИМГАР** [а+ф-т] Ходими қилувчи киши. — *Оталаримизнинг кўпчилиги майда косиблар, қоровул, ходимгар, мейхон .. ва ҳоказо бўлганликлари учун, .. уларнинг ёнига кўймакчи бўлиб тушиши бизга тўғри келмас эди, — деди Шум бола.* Ф. Ғулом, Шум бола.

**ХОДИМИ** [а+ф-т]: **ходими қилмоқ** бировни ишқалаб, уқалаб ювинтирмоқ, массаж қилмоқ (хаммомда). *Гар синаб бир қамчи урсангиз, муғомбирга ёқиб, Ходими қилган каби ухлар экан бу отингиз.* Муқимий.

**ХОДИМЛИК** **ходим** с. касб оти. *Газетада ходимлик қилмоқ.*

**ХОДИМЧИ** с. т. Ходимгар.

**ХОДИМГАР** с. т. Ходимгар. У [Мирзо] *ҳордиқ оқшони ҳаммомга туиди-ю, ходимгардан бирига ҳалиги сўроғини берди.* А. Қахҳор, Мирзо.

**ХОЖА** [ф-т] кт. Хўжа, хўжайин. *Хожамизга сақич, ипак, хина беринг.* «Эртактлар».

**ХОИН** [а] I Ахдини, қасамини бузиб, хиёнаткорона иш тутувчи; фирибгар, муғтаҳам. *Эндигина ғунчадан чиқайтган бу ёсуман гулли [Кумушбидини] хон қўлларнинг захри сўлитган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ ёки ўз халқи, ўз ватани манфаатига энд иш тутувчи, унинг душманлари билан ҳамкорлик қилувчи, душман томонига ўтган киши; сотқин. [Навоий:] *Давлатимизни яқсон қилмоқчи бўлган хонига салтанат даргоҳида ўрин йўқ!* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ХОИНЛАРЧА** айн. **хоинона.** *Хоинларча иш тутмоқ.*

**ХОИНОНА** [а+ф-т] рви Хоинлик билан, хоинларча; хиёнаткорона. *Шартномани хоинона бузмоқ. Хоинона ҳужум қилмоқ.* || *Хоинона ҳаракат. Хоинона ҳужум.*

**ХОК** [ф-т] кт. I айн. **тупроқ.** *Бўлмаган кишларда ёмғир, қор ўлиб фасли баҳор, Бош кўтарган сабзани хок ичра пинҳон қилди лой.* Муқимий.

2 Тупроққа ёки кулга айланган инсон жасади. *Унги сенинг сўлим соҳилларингда Узоқ боболарнинг хоки бор, Аму! Миртемир. Асл ўғилларнинг бебаҳо хоки, Муқаддас девордан эгаллайди жой.* Ф. Ғулом.

**ХОКА** [ф-т] Майда, кукун (кўмир ҳақида). — *Тусатдан Турғуннинг терлаб-пишиб, .. аравачада чангадай майда хока кўмирни қаёқдандир сургаб келатганини кўриб қоламан, — деди Мусо.* Ойбек, Болалик.

**ХОКАНДОЗ** [ф-т] Олов, кул ва ш. к.ни олиш, ташиш учун ишлатиладиган дастали асбоб; оловкурак. *Бозорбой яна бир хокандоз чўғ келтириб ўчоққа солди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХОКИ** [ф-т]: **хоки анжир** анжир дарахтининг ёзда пишадиган меваси (иккинчи марта кузда пишадиганидан фарқлаб шундай дейилади).

**ХОКИПОЙ** [ф-т] Оёқ остидаги тупроқ. *Ҳажр водисидда кезгай доимоким хўблар, Хокиподидур кўзига тўтуй деб ажтаринг.* Муқимий. *Қизини инобатга олаганингиз учун отаси хокипойингизни ўпмоқда.* Ф. Расул, Адолат.

**ХОКИПОК** [ф-т] Муқаддас тупроқ. *Ўзи ҳам, дейман, бир вақтлар заҳматда ўлиб кетган мардикорларнинг хокипокени бугун кечаси билан эсга олиб чиққандир.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХОКИСОР** [ф-т] I Ниҳоят даражада содда, камтар. *Мавлоно Шаҳобиддин ғоят камтарин ва хокисордир.* Ойбек, Навоий.

2 Итоат қилувчи, итоаткор; лаббайгўй; бўйин эгувчи. *Шундай ходимлар ҳам бўладик, улар даража, амал жиҳатидан ўзидан сал камтароқ кишининг олдидагина ўзларини хокисор, камтар, синиқ кишидек тутадилар.* «С. Ўзбекистон», 1964, 12 ноябрь. | Биров назар-писанд қилмайдиган. *Мендай бир хокисор қашшоқнинг боласини шундай шаҳарга .. ҳоким қилиб қўйган ҳукуматга раҳмат.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Хокисор бўлмоқ** I) назардан қолмоқ, хор-зор бўлмоқ, кам-

ситилмоқ; 2) тупроқ билан тенг бўлмоқ, ер билан яқсон бўлмоқ, поймол бўлмоқ. *Кучимиздан бўлди тамом хокисор, Боғимизга қадам қўйган ёв хайвон.* Х. Расул. **Хокисор қилмоқ** I) хор-зор қилмоқ, камситмоқ; 2) тупроқ билан тенг қилмоқ, ер билан яқсон қилмоқ, поймол қилмоқ. *Нақадар пок [севгининг] .. муруватсиз қўлда сўлган чечак каби хокисор қилган ишқ жаллоблари.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ХОКИСОРЛИК** **хокисор** с. маъ. от. *Мажиддин хокисорлик билан унга яқин келиб, қуллуқ қилди.* Ойбек, Навоий. *Самад .. кучда Тўладан қолишмас, унинг унча-мунча дўқларидан ҳайиқмас эди. Шундай бўлса ҳам, ўзини хокисорликка солди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ХОКИТУРОБ** [ф-т-а] кт. Ер билан яқсон, хароб. *Кейин маълум бўлишича, қадим замонларда бу ерда шаҳар бўлиб, унда яшаган одамлар араб босқинчиларининг қилмичи дамидан ўтказилиб, уй-жойлари хокитуроб қилиб юборилган экан.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ХОКИТЎЗОН** айн. **хокитуроб.** *Қолди хайрлашиб ортида энди Хокитўзон бўлган қулбаси яна.* Т. Тўла.

**ХОККЕЙ** [р<ингл] Муз майдонида ёки майса устида рақиб томон дарвозасига тўп ёки шайба киритишдан иборат спорт ўйини.

**ХОККЕЙЧИ** Хоккей ўйновчи спортчи.

**ХОЛ** [ф-т] I Баданда, тери устида бўладиган қора туғма доғ ёки бўртма. [Кумуш] *латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди ва кўзга ёнидан жўнади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хол қўймақ** I) ясама хол ҳосил қилмоқ; бирор жойга нуқта ёки холга ўхшатиб белги қўймоқ. *Икки қош ўртаси қизил хол қўймоқ, Ҳинду қизларининг қадим кўрқидир.* Ф. Ғулом; 2) кўйма ишнинг пачавасини чиқармоқ, расво қилмоқ. *Энди бўлар иш бўлди. — Қўй, Ховлой, мунча кўйдинг, Мўл ҳосил етказдинг, Йиғиб олмай хол қўйдинг.* О. Кўчқорбеков.

2 Домни, пичоқ дастаси ва ш. к.га ўйинган ёки қадалган белги; безак учун қилинган кўз ва ш. к.

3 кўйма Бирор нарсанинг энг муҳим, чиройли жойи; лаатофант, гўзаллик, хусн. *Фаргона — Ўзбекистоннинг холи, хусни.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади.* А. Қахҳор, Тўйда аза. **Хол бўлиб тушмоқ** хусн бўлиб турмоқ, ярашмоқ. *Бу стол кабинетга хол бўлиб тушибди.* — *Йўл бўлсин Авазхон ўғлингизга, хол тушган Чамбил элингизга, .. — деди Жортибой оқсоқол Гўрғўлига.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ХОЛА** [а] I Ованинг синглизси ёки опаси. [Марасул:] *Ўз холам бўла туриб тўйга келмадингиз-а?* А. Қахҳор, Оғ-



риқ тишлар. *Уйга аммам ва холамлар келишган, мен уларни ухлатиб чиқаман.* А. Кодирий, Мехробдан чаён. *Онаси таъкидлаган бўлса ҳам, Назиржон холасининг уйига бормасдан тўғри мекхоннага тушиди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

2 Кекса аёлларга ҳурмат билан муножаат қилиш формаси. *Лутфинисо бўғчадан икки дўппи олиб, беш сўм пул билан узатди. Йўл тўсувчилар қувониб бақирдишди: «Тўй устига тўй кўринг, хола!»* Ойбек, Қутлуғ қон. [Мас-тура Гулжонга:] *Доно сўзини, нодон кўзини тергайди, хола.* Хамза, Паранжи сирлари. **Хола ойи айн. хо-лойи.**

3 Ҳурмат юзасидан ёши катта аёллар исмига қўшиб ишлатилади, мас. *Ризвон хола.* ■ [Раис:] *Қани, Тўхта хола, гапиринг!* А. Қахқор, Кампирлар сим қоқди.

**ХОЛАВАЧЧА** [а+ф-т] Опа-сингилларнинг фарзандлари (бир-бирларига нисбатан). *Аммаси бор, холаваччаси бор. Улар билан келишмай туриб, бир-бирининг фарзандини қандай қилиб бериб юборамиз?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қолхозга Сидиқжоннинг холаваччаси Сатторқул раис бўлибди.* А. Қахқор, Қўшчинор.

**ХОЛДОР** [ф-т] 1 Баданида холи бор; холли. *Холдор жувон.*

2 Баданида ёки сиртида майда доғи ёки доғлари бўлган. *Холдор от. Холдор қанотли капалак.* ■ [Ўғил буви] *қутичани айлантирган эди, унинг ичидаги қалай, кумуш узук, .. чиройли холдор қилиб ишланган кўзминчоқ каби бир қанча майда нарсалар ерга тўкилдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Холдор (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ХОЛИ** [а] 1 Бирор кимса ёки нарса билан банд бўлмаган; бўш. *Холи уй.* ■ *Подвални холи қилиб қўймоқ.* ■ — *Шу бу кун дарсни бизникида тайёрласанг, акам командировакада — уй холи,— деди Муниҳон.* А. Қахқор, Сароб. *Қўча бўм-бўш, холи, фақат зулмат, тун ҳукмрон.* С. Анорбоев, Мехр. *Осмон ҳар вақтдагидек, булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Чет, хилват, овлоқ. *Врач беморни холи қилиб қўйди.* ■ *Мени бир холи манзилга таклиф этган эдилар.* Ойбек, Навоий.

3 *рви* Ҳеч ким йўқ жойда, четда, хилватда, овлоқда; танҳо. *Бу маслаҳат хонга ёқиб тушиди. Эртасиеаёқ хон Шерназар бойни қақириб холи гаплашди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қани, утиринг, сиз билан холроқ гаплашайлик-чи бўлмаса.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Зухра:] *Кетинг бундан, холи қўйинг, Кўп кўзимга кўринманг! Ҳалокатим яқинлашди, Қутқаришча уринманг.* С. Абдулла, Тохир ва Зухра. *Ўзларига келиб кўзларини очанларидан кейин, Фармонкул она-болани холи қўйиб чиқиб кетди.* А. Қахқор, Қўшчинор.

4 Бирор нарса ҳақида ўйламайдиган, унга алоқасиз, ундан озод. *Ташвишдан холи одам.* У *ғаразғўйликдан холи.* Солиқдан холи қилмоқ. *Ишдан холи қилмоқ.* ■ *Тез орада рамазон ойи бошланиб, ҳаммалари рўза тутишга киришдилар.* Элмурод бу ташвишдан холи эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | «Эмас» сўзи билан қўлланиб ўзидан олдинги ч. к.даги сўздан англашилган нарсанинг борлигини, мавжудлигини билдирди. *Фойдадан холи эмас. Камчиликдан холи эмас. Эҳтимолдан холи эмас.*

**ХОЛИЛАТМОҚ** кам қўл. Кишилардан ажратиб қўймоқ, ёлғиз қолдирмоқ. *Беморни холилатмоқ.* | Кишилардан холи қилмоқ, ҳеч ким кирмайдиган қилиб қўймоқ. *Ўзбек ойим уйни холилатиб, Хасаналини ўз олдига қақиртириб қарди.* А. Кодирий, Ўтган кунлар.

**ХОЛИС** [а] 1 Ҳаммага бир хил назар билан қарайдиган, бирор томонга ён босмайдиган; бетараф. *Холис одам.* ■ *Фикримча, ҳозир вақти эмас, мана холис кишидан сўрайлик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | *Объектив, ҳаққоний. Истасангиз, сизни ҳам олиб борамиз, ўзингиз холис баҳо берурсиз.* Ойбек, Навоий. ■ *Рашиднинг гапи гарчанд холис ва муҳокамали бўлса ҳам, нима учундир Элмуродга тиканли туюлди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *эск.* Овоз беришда бирор томонга қўшилмайдиган; бетараф. *Шунинг учун мен холиман, ўртоқлар, дедим.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда. **Холис гувоҳ** 1) ҳеч кимга ён босмайдиган гувоҳ; 2) қамоққа олиш, тингув ўтказиш ва ш. к. холларда ҳукумат органлари томонидан ҳеч кимга ён босмайдиган гувоҳ, шохид сифатида қақирилган шахс. **Холис турмоқ** бирор томонга ён босмай бетараф турмоқ. *Совет иттифоқи холис турадиган ҳукумат бўлмағига ҳаракат қилса, бунинг ажабланирлик жойи борми?* «К. Ўзбекистон», 1946, № 54.

2 Ўз манфаатини кўзламайдиган; тама қилмайдиган, беғараз; самимий. *У [Ойша Жуманиёзова] .. тўғри маслаҳати, холис ёрдами билан кишиларни мамнун этади.* Ф. Зоҳидов, Ишонч. *Бизнинг холис ниятимиз .. дўст-ёрларга ҳаммаша хизмат қилмоқдир.* Ойбек, Навоий. ■ *Балки бечоранинг нияти холисдир.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Моҳлар ойимнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий бўлиб, у Анварга ўз боласидай меҳрибон эди.* А. Кодирий, Мехробдан чаён. ■ — *У [Тўхтасин Жалилов] биланларини менга миннатсиз, жон-дили билан, холис ўргатар эди,— деди Ҳалима. Х. Носирова.* Мен ўзбек қизиман. **Холис хизмат** 1) самимият билан, сидқидилдан қилинадиган хизмат. *Халққа, замонга холис хизмат қилиш совет адабиётининг бурчидир.* У. Норматов, Камолат сари; 2) *кест.* фойда ўрнига зиён келтириш, қош қўяман деб, кўз чиқариш. *Хуллас; «холис хизматинг» етказ ниҳоясига,*

*То сиринг очилгунча, зулук янглиғ роҳат қил.* «Муштум», 1962, № 1.

3 Ҳеч кимга қарашли бўлмаган; бетараф, нейтрал. *Барчидан бу сўзни эшитиб, ўн минг уйли Қўнғирот ҳазар қилди: .. Жавоб бергич бўлса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда жавоб берсин.* «Алпомиш».

4 **Холис (хотин-қизлар исми).**

◆ **Холис ёмон кўрмоқ** бирор сабабсиз ёмон кўрмоқ, беғараз равишда ёқтирмастик. *Мен бу одамни холис ёмон кўриб юрардим.* А. Қахқор, Сароб.

**ХОЛИСАНЛИЛЛО(Х)** [а] айн. **холисона.** — *Элга холисанлилло хизмат қилмоқ инсонни комилнинг ишидир,— деди Навоий.* Ойбек, Навоий. [Аваз:] *Йиғилишиб келган жами халойиқ, Омин де, дуо қил холисанлиллоқ.* «Хушкелди».

**ХОЛИСЛИК** холис 1, 2 с. мавҳ. от. *Ният холислиги.* ■ *Менинг холислигимни шундан ҳам билсангиз бўлар эди, ука.* А. Кодирий, Мехробдан чаён.

**ХОЛИСОНА** [а+ф-т] 1 *рви* Барчага баравар қараган холда, бирор томонга ён босмасдан, бетарафлик билан. *Халққа манфаат етказиш ниятида бу аҳволни жаноби олийга холисона арз қилдим.* Айний, Эсдалиқлар. | *Ҳаққоний равишда, объектив равишда, одиллик билан. Ҳар бир асарга холисона баҳо бериш, халқнинг мулки бўлиб қоладиган асарнинг мукаммал бўлишига эришмоқ керак.* «С. Ўзбекистони», 1965, 16 май.

2 Ўз манфаатини кўзламаган холда, тама қилмасдан; беғараз. *Кишиларга ишонини, уларга холисона ёрдам кўрсатиш керак.* Р. Муҳамедов, Жазо ва ишонч.

**ХОЛИК** [а] 1 *дин.* Яратувчи (худо эпитетларидан бири). *«Яшилик қил, дарёга от, дарё билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холик билур»,— деганлар.* Айний, Қуллар.

2 **Холик (эркаклар исми).**

**ХОЛЛИ** Холи бор. *Холис [Нигоранинг] қоп-қора холи лабларига табасум кўнди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ХОЛОДИЛЬНИК** [р] 1 Тез бузиладиган овқат махсулотларини совитиб, музлатиб сақлайдиган корхона; музхона.

2 Ичига совутиш аппарати ўрнатилган жовонсимон рўзгор буюми.

**ХОЛОЙИ** 1 Кариндош ёки яқин бўлган катта ёшли аёлларга нисбатан муножаат қилиш формаси.

2 *диал.* Хола.

**ХОЛОС** [а] юкл. Бори-йўғи, фақат, фақатгина. *У бир пиёла чой ичди, холос.* *Билангиз иш холосми?* ■ *Бригадамизда ўн бир киши қолди, холос.* А. Қахқор, Қўшчинор. *Кўзимга аллақандай бир жаллоднинг совуқ башараси кўринади, холос.* К. Яшин, Тор-мор.

◆ **Ана холос!** таажжубни, хайратланишни ифодалайдиган ибора. *Ана холос, қози поччанг юртега ош бераётган бўлсалар, тунинг думи ерга тегибди-да!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХОЛПАРАНГ:** холпаранг рўмол хол-лан паранг рўмол. [Асра кал] .. зангори шохи қийиқ боғлаган, елкасига холпаранг рўмол ташлаган, хушфеъл йигит эди. Ф. Фулом, Шум бола.

**ХОЛ-ХОЛ** Сирти холлар ёки холсидон нуқталар билан қопланган; холдор. Хол-хол чип.

**ХОМ** [ф-т] 1 Қайнатилмаган, пиширилмаган. Хом гўшт. Хом сут. Хом сув. Хом тухум. Хом емоқ. **Ошнинг хом** палов учун зарур бўлган ма-саллиқ (одатда хотинлар томонидан мезбонникига олиб бориладиган лози-момада).

2 Табiiй равишда пишиб етилмаган, пишмаган; гўр. Хом тарвуз. Хом олма. Хом ўрилган бугдои.

3 Қайта ишланмаган, яхши ишлов берилмаган ёки чала ишланган; хомаки. Хом ипак. Хом гўшт. — Хом тери-дан юмшоқ этик кийган қуроли жанг-чиллар, .. жениларига хом теридан калта энгли камзул кийган кўчманчилар ўти-рар эди. М. Осим, Аждодларимиз қис-саси. || Тўтиқиш тоқдадан дўппи хоми-ни олиб, кўрпачага келиб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Пиштил-маган; бўш. Хом ип. Хом арқон. || Со-чи хом ўрмоқ.

4 Кўчма Ниҳоясига етказилмаган, қайта ишланиши ёки ёзиллиши лозим бўлган; энгил-елпи ишланган; чала, юзаки. Хом асар. || Диссертациянгиз ҳали хом.

5 Кўчма с. т. Чуқур, пухта ўйлан-маган; амалга ошмайдиган; пуч, юзаки. Хом иш. Хом план. || Хом ўйламоқ. — У [Маҳкам] гўдақлигига бориб хом ўйлаган экан. Устанинг ёнида бўлиб, иш ўрганаман, деб юрганди. Р. Файзий, Хазрати инсон. Хом хаёл 1) амалга ошмайдиган ўй, фикр, пуч идея. [Азизани] «қоборишармикан», — деган хом хаёл [Муҳиддинни] кўпчиликдан яккалатиб қўяётганча ўхшарди. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси; 2) пуч хаёлга берилган, ўйлашни яхши кўрадиган. Хом хаёл одам.

6 Кўчма с. т. Тажрибаси йўқ, кўп иш билмайдиган; гўр. Бу йигит жуда хом экан. — Вой овсин-эй, хомсиз-да ҳали. Эрниг гапига лаққа тушиб юр-верасиз, — деди Сабохон Маҳмудага. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

♦ Арпангизни хом ўрдими қ. арпа. Хом калла айн. хомкалла. Хом от ми-нилмаган, аравага қўшилмаган от. Олтин сувлигин чайнатди, Олтой бо-қилган хом отди. «Эрли ва Шерали». Хом сўт эмган банда қ. эммоқ. Чувварани хом санамоқ қ. чуввара.

**ХОМА** I [ф-т] эск. айн. қалам I, 2. [Бехўод] хома сундури, чеколмай су-ратинг тасвирини. Муқимий.

**ХОМА** II [ф-т] диал. Дўнг, тепа. Аёз кечада нам қум хомаси устида чўзилиб ётган бир одам ўрнидан турди. Айний, Куллар. Бир қум хома устида чўпон болалар кураш тушмоқда эдилар. Ай-ний, Эсдалиқлар.

**ХОМАК** [ф-т] Пишиб етилмаган хом қовун; сапча.

**ХОМАКИ** [ф-т] 1 Узил-кесил ҳал қилинмаган, аниқланиши, тўлдирили-ши лозим бўлган; ҳали хом. Хомаки план. Хомаки расм. — Илаери ўзи са-ройнинг хомаки планини тузиб, уни хонга маъқуллагач, саройнинг аниқ лойиҳасини Россиядан келган архитек-торлардан тезда ишлатиб олди. Ж. Шарипов, Хоразм. Рассом .. ижод-хонасида бўлсангиз, кўп этюдлар, хо-маки эскизлар, бир катта хомакласа, — неча вариантларини кўрасиз. «С. Ўзбе-кстони», 1964, 8 октябрь.

2 Тахминий, чамали. Хомаки ҳисоб.

♦ Хомаки уруш эск. айн. манёвр I.

**ХОМАКЛАМОҚ** Хомак ҳосил қил-моқ, сапча қилмоқ. Қовун хомаклати. — Томорқага, бодрининг ёнига икки гектаргина коньяк экиб қўйсанг, мартада гуллаб, апрелда хомакласа, — хаёл қилди Урин. А. Муқимов, Ғалати одамлар.

**ХОМАШЁ** [ф-т+а] Саноатда қайта ишланадиган дастлабки материал. Пах-та тўқимачилик саноати учун хом-ашёдир. Хомашё манбаи. Хомашё ре-сурслари.

**ХОМИҚМОҚ** кам қўл. Жисмоний иш билан шуғулланмай, бўшашиб, хом-семиз бўлиб қолмоқ. — Чарчаб қоласиз, опа, — деди Қумри Лолахонга ачиниб, ҳамма оғирликка бардош берадигандек, қизларга қараб қулди: Хомиқиб қолиб-миз, ҳаммаси ўшаники. Х. Нуъмон, Фасллар.

**ХОМКАЛЛА** [ф-т] Ҳеч нарса ту-шунмайдиган; фаҳмсиз; тенгак. Кандоқ қилсин эшоним, роса хомкалла бўл-са? Уйғун, Ҳаёт чорлайди. «Э, хомкал-ла, ишинг оёгини осмондан қилдинг» — деб, столга мушт билан бир урди [тер-говчи]. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ХОМЛИГИЧА** рөш Хом ҳолатда, пи-ширмасдан ёки қайнатмасдан. Тухумни хомлигича ютмоқ.

**ХОМЛИК** хом с. бели оти. Зиёдиллан-нинг хомлиги ишинг пачавасини чиқар-ди. Х. Фулом, Машғал. — Хомлик қилиб душманга ўзини кўрсатиб қўйди-ми? — дейди Сорокин. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ХОММАПИШ** Болаларнинг кўча ту-проғини гумбаз қилиб ўйиб, устидан сув селиб қотиргач, тепаси ва ёллари-дан тешик очиб, ичига олов ёқиб ўйнай-диган ўйини. Кудратларнинг эшигида, ариқ бўйида Раъно кичкинтой болалар билан хоммапиш ўйнаб ўтирарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Хом-мапиш ўйнайдиганлар озода қиз бўл-майди, — деди Манзура опа Лолага. А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Озода қиз.

**ХОМСЕМИЗ** Семиз, тўла бўлишига қарамай, кучсиз, занф, пўқ. Мирзате-рақлар соя ташлаб турган кенг, сер-қатнов ўйлан жодаб юриб бораётган хомсемиз, лўппи юзли йигит қўлидаги оғир қорзинкани ерга қўйиб: — Опа-

жон, деб мурожат қилди. Х. Тўхта-боев, Фельетондан сўнг.

**ХОМСИМОҚ** айн. хомсирамоқ. — Ке-ча бир оз хомсиган эди, — деди Қарим-қул понсад. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХОМСИРАМОҚ** диал. Шубҳа қил-моқ, шубҳалашмоқ; иккиланмоқ. Мен хомсираб эшик олдида тўхтадим. «Мупштум», 1941, № 6.

**ХОМСУВОҚ** Дастлабки хомаки су-воқ, қора сувоқ. — Тротуар четидаги ариқчадан хатлаганингизни, хомсувоқ қўлинган пастак девор .. ёнига борга-нингизни кўриб турдим, — деди Бо-тир Зиёдага. У. Хошимов, Чўл ҳавоси.

**ХОМСУРП** Гул босилмаган, бўялма-ган оқ й газлама. Бу фабрикага Ива-ново шахри ва унинг атрофидаги жуда кўп қорхоналар хомсурп етказиб бери-шади. «К. Ўзбекистон», 1960, № 47.

**ХОМСЎЗ** [ф-т] Яхши пишмаган, етилмаган; хом. Хомсўз нон. || Лагмон-нинг хаамири хомсўз бўлиб қолибди.

**ХОМТАЛАШ** I этн. Бирор жонлиқ сўйиб, гўшт-ёғини текинга улашиш. [Майсара:] .. Бир эчки билан сигири-мизни дарров хомталаш қиллайлик, зора тонгача ўнгарилса. Ҳамза, Майсаранинг иши. Юз сўм-ярим юз сўмнинг бе-тига қарамай, дуохон қушночларга қаратилсин, иложи бўлса, бирорта жонлиқни хомталаш қилиши керак. А. Қахҳор, Бемор.

2 Кўчма Қўлга тушганини олиб ке-тиш; талон-тарож. Энди сўрасангиз, э-ски машиналарни ёмон оптиққа чиқар-иб, хомталаш қилиб юборишган эди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Ёғ-гўшт хомталаш бўлаверса, қозонга маза кирармиди? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. — Дарё хомталаш: биров у ёнбошидан — биров бу ёнбошидан, биров қўлогидан, биров қўйруғидан улоқ-улоқ, — деди Қаршибой ота. Х. На-зир, Сув гадоси. | Бирор нарсани бош-қадан тортиб олиш учун жанжалла-шув, талашув, тортишув. — Бир дона ХТЗнинг ва универсалнинг учта қолхоз ўртасида хомталаш бўлгани ҳали-ҳали эсимда, — деди Ҳайдар ота. Э. Зоки-ров, Ота ўғли.

**ХОМТАМА** [ф-т+а] Унмайдиган нарсдан умид қилувчи; қўлга кирар деб беҳудага ишонувчи; лақма. — [Са-фарга] тез кунда Холхўжанинг кунига тушиб, кафансиз ўйиб кетасан, буни тушунсанг-чи, хомтама! — деди онаси. Ё. Шукуров, Қасос. — Бировга яхши-лик қилдингми — дарров унут, юра-гингда сақлаб юрма, у ҳам яхшилик қилиши керак, деб хомтама бўлма, — деди Расул ака ўғлига. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ХОМТАМАЛИК** хомтама с. мавҳ. от. Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эринг-дан кўнгил узолмаганингни биламан. Сенинг хомтамалигинг қони болали-гингдадир. А. Қодирий, Ўтган кун-лар.

**ХОМТАРАШ** [ф-т] Ёғоч ёки тахтани чопиб йўниш, дастлабки пардозсиз те-кислаш. Хомтараш қилмоқ.

**ХОМТОК** [ф-т] қ. х. 1 Токнинг хосилсиз, хом новдаларини олиб ташлаш, новдаларини сийраклаштиш. *Хомток вақти.* — *Файзи ота ишкомнинг нариги чеккасида хомток қилиб юрган эди.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

2 Токдан эндигина қирқиб ташланган хосилсиз, хом новда.

**ХОМУТ** [р] От бўйнига киритилиб, икки ёнидан арава шотиси учига сириб боғланадиган ёғоч буюм. *Аравакашлар хомутни эрдан чиқаришибди. Старшинага элиб берсам хурсанд бўлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХОМУШ** [ф-т] 1 Индамасдан, жим, сўзсиз. *Зайнаб унга хомуш эгилди, Қалби унинг саломага келди.* Х. Олимжон. *Фуюд афанди хомуш ўтириб эшитди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Бригада бошлиғи ва табелчи Жалиловнинг юзига қаролмасдан, хомуш қўл қовуштириб турардилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

2 Ғам-ғуссага ботган; ғамгин, ўйчан, маъюс. *Нега хомушсан?* — [Элмуроднинг] кўнелини чулғаб олам ғашлик хамон кўтарилмайди. Бунининг маъюс кўзлари ва хомуш юзидангина эмас, хатто хийлагина руҳиз овозидан ҳам сезиш мумкин. П. Турсун, Ўқитувчи. || [Жувоннинг] вужудини хаёли ипи ўраб олган, калаванинг учини тополмаётган, чигални ечолмаётгандек хомуш. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалби қиз. *Хўжабеков район марказидан хомуш бўлиб қайтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Авзойи бузуқ, хўмрайган, жимжит (об-ҳаво ҳақида). *Булутли, хомуш оқшом зулмати нафас сайин қуюқлашиб, баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устига тез ёйиб келмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. || *Шамол бошилган. Жамоа олдидаги майдонча, кўча жим-жит. Табиат хомуш.* Х. Фулом, Машъал.

**ХОМУШЛАНМОҚ** Хомуш бўлмоқ, ғамгин, маъюс бўлмоқ. *Фақат бир оздан кейин Анорхон аланечук хомушганиб, ух тортди, бошини эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ХОМУШЛИК** хомуш с. мавҳ. от. *Яна ўртада хомушлик ҳукм суриб, Хасанали ишни тузукроқ очини ва ё шу куйи қолдириб кета бериш талашини эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўқ, — Адолат хомушлик билан бошини эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ХОМ-ХАТАЛА** 1 Чала пишиган; хом. *Овқатни хом-хатала пишириб келтирмақ.* — *Ёз улгуролмаган ишларни куз бажаришига киришди, хом-хатала меваларни меърига етказиб пиширди, давлат омборини донга, халқ дастурдонини ноз-неъматга тўлдирди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

2 кўчма Меъёрига етказилмаган; чала, ғўр, хом. *Хом-хатала асар.* — *Усарвой ҳар кунни эринмай, Хом-хатала шеърлар келтирар тинмай.* С. Абдуқаҳҳор.

**ХОМЧУТ** [ф-т+р] Бирор нарсани

хомаки равишда ҳисоблаб чиқиш; тахминий ҳисоб. *Хомчўт қилмоқ.* — *Унинг [Жаводнинг] хомчўтига қараганда .. республика янги пул билан 58 миллион сўм иқтисод қилган бўлур эди.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали. *Қарим ака ўша ёзда бизга келганидайқ оладиган ҳосилмизни хомчўт қилиб кетган экан.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Сўнгери иш режанани хомчўт қилиб, ўз-ўзингча сўйлана кетдинг.* Уйғун.

**ХОМЧУТЛАМОҚ** Бирор нарсани хомаки ёки тахминан ҳисоблаб кўрмоқ, хомчўт қилмоқ. *У даромадини хомчўтлаб кўрди.*

**ХОМЧУТЛАШМОҚ** хомчўтламоқ фл. бирг. н. *Биров етмиш тўрт сўмга қанча ёғ, биров ун берилишини шериғига тушунтирар, қиладиган харажатларни ҳалитдан хомчўтлашар эди.* С. Аҳмад, Хўжм.

**ХОМҚОЛИП** Ҳали узи-кесил тайёр бўлмаган, битмаган; дастлабки, хомаки. *Расомлар кўргазмасига ҳайкалтарош Л. Н. Ивановнинг Пушкин, Гоголь ва генерал-майор Раҳимовларнинг ҳайкалларида ишланган хомқолип лойиҳалари ҳам қўйилган.* «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 77.

**ХОН** 1 тар. Қатор шарқ мамлакатларида ўрта асрга хос хокимия мутлақнинг унвони ва шу унвонни олган киши. *Қўқон хони. Хон саройи.*

— *Халқ подиолар, хонлар, бекларнинг жабр-зулмини кўрган .. — деди Ойимхон опа.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Хон кўтармоқ** хон қилиб белгиламоқ. *Мусулмонқул .. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни [Худоёрни] хон кўтариб, эл елкасига минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу ернинг ўзида унга «Саид Жалолхони соҳибқирон», деб ном берилди ва хон кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 тар. Хонлик қилган, хон лавозинидаги шахс исмига қўшилиб, унвон ифодалайди. *Баҳодирхон — Хевада, Худоёрхон — Қўқонда хонлик қилган.*

3 Эркак ва аёллар исмига қўшилиб, хурматни ифодалайди, мас. *Оқилхон, Қаримахон.* — *Менга қолса ҳамма гуноҳ бек отам билан хон оймларда!* — *деди [Қумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

♦ **Ўзи хон, кўланкаси майдон ёки ўзи(га) хон, ўзи(га) бек** нима хоҳласа, шунини қилади, кўнгли истаганини қила олади маъносидаги ибора. — *Хотинлари ҳам «кимсан — оқсоқолнинг хотинимиз», деб кеккайиб, ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб, роса зугумини ўтказишадилар, — деди Юсали тоға.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХОНА** [ф-т] 1 Ўй ёки бинонинг девор билан ажратилган ҳар бир алоҳида қисми; бўлма. *Ёруғ хона.* — *Қиз томон одатта мувофиқ, хонанинг пойағини банд этди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Ойқиз кирган хона қуёш нури билан тўла эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Бирор корхона ёки муассаса қошида жамоат ишлари учун ажратилган ало-

ҳида бўлма. *Ўқитувчилар хонаси.* *Вокзалда оналар ва болалар хонаси бор.* — *Бир кунни Элмурод «Интизом устави»ни Ленин хонасида ўқиб ўтирар экан, Йўлдош унинг елкасига қувонч билан бир урди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *У боя танаффусда биро аэголарини қомурсом хонасига олиб кириб, шошилинч кенгаш ўтказган.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 с. т. Ўй, уй-жой. *На отам бору на онам, На юртим бору на хонам.* Айний, Дохунда. *Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи зolimлар .. гинёлар қарғишига нишонадир, ўғлим! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Айрим буюм ёки организмларнинг ичидан бирор нарса жойлашадиган (етишадиган ёки сақланадиган) чуқурча, ўйиқ. *Ари уя хоналари.* *Ғўзапўқоқ хонаси.* — *Унинг товуши йўғонлашди, кўзлари хонасидан чиққайди, юзлари тиришиб, хунук аломатлар пайдо бўлди.* Х. Турсунқолов, Ҳаётим қиссаси. *Бунча сочилган ҳарфни жой-жойига қўйиш, қайси хонада қандай ҳарф турганини билмаган Саидий учун кўп қийин иш эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 мат. Соннинг ёзувда бирлик, ўнлик, юзлик ва ш. к. эканини кўрсатувчи ўрни. *Олти хонадан иборат йирик сон.*

**ХОНАВАЙРОН** [ф-т] Уйи-жойи ёки оиласи бузилган, вайрон бўлган; ҳамма нарсадан ажралган; абгор, хароб. *Унда-мунда думландан қочиб, ўрмонларда қанғиб юрган хонавайрон одамлар, қарилар, аёллар, болалар қўлларини умидсиз соллаб, вазиятни тушунтирардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Хоннинг зулми авж олди, халқ эзилди тобора, Кўпчилик халқ зор, гирён, хонавайрон, овора.* С. Абдулла. **Хонавайрон бўлмоқ** 1) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, хароблашмоқ. *Биринчи жаҳон уруши тўғрисида хонавайрон бўлган мамлакатда, подшога қарши янада гулгула кўтарилга бошланган пайтда, у [Михайлов] Ленин партиясига кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) уй-жойдан, мол-мулкдан ажралмоқ, ҳамма нарсадан жудо бўлмоқ; қашшоқлашмоқ. — *Амирнинг солиқ солиш тартибидан ер эгалари хонавайрон бўлдилар, деганини ўз қулоғим билан эшитдим, — деди Шокиргулом.* Айний, Қуллар. **Хонавайрон қилмоқ** 1) бузмоқ, вайронга айлантirmoқ; 2) мол-мулкдан жудо қилмоқ, бор нарсасидан маҳрум қилмоқ. — *Аваз оға, ёрдам беринг, тўра Пирнафас акани хонавайрон қилаётир, .. — деди Полвон.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ХОНАДОН** [ф-т] 1 Эр, хотин, фарзандлар, шунингдек қариндошлардан иборат оила. *Қобил қарвонинг қармоққа олиниши Абдураҳмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди.* Х. Фулом, Машъал. *Моҳира оймага ёққан қанча тегли-тахтли хонадонлар*

Хушрўй томонидан рад қилина берадир. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Оила аъзолари яшаб турган хўжалик, уй, ховли. Шаҳарнинг андасаси чиройли, хонадонлари чорси-чорси бўлиб тушган. З. Акрамов, Ҳиндистон лаҳвалари. Қош қорайиб, сигир-бузоқлар подадан қайтган, ўчоқлардан кўтарилган қамиш ва ғўзатоя тутунлари хонадонлар устини қуюқ тумандай қоплаган .. эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 тар. Қариндошлик ёки валиахдлик ҳуқуқига кўра, бири ўрнига иккинчиси тахтга чиқадиغان, ҳокимиятни наслдан-наслга ўтказиб, ҳукмронлик қиладиган ҳокими мутлақ ёки монархлар авлоди; сулола. [Навой:] Мавлоно Хондамир, шу сўзларни тарих саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан ёзингим, Мўмин мирзонинг ўлдирлиши темирийлар хонадонининг инқирозга юз тутишидир. Уйғун ва И. Султон, Навой.

ХОНАЗОД [ф-т] Бирор хонадонда туғилиб тарбия топган, уйда парварिश қилинган. Отилиб йиқилган оқсоқол қалъачи Абдурахимбойнинг ўғли бўлганидек, отувчи ҳам унинг хоназод кули Раҳимдод .. эди. Айний, Қуллар.

ХОНАКИ [ф-т] I Уйда тайёрланган; уйда ишлатиладиган; кўлда қилинган. Хонаки нон. Хонаки туфли. ■ Дастурхонда хонаки печеньелар, атиргул нусха торт ва турли хил мевалар бор эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Хонаки қозонлар ўрнини гигант буг қозонлар олди. «К. Ўзбекистон», 1959, № 212. | с. т. Махсус тайёрланган; кўлбола. Хонаки чой дамламақ, Хонаки палов қилмоқ.

2 Уйда, хонадонда боқиладиган; кўлга ўргатилган. Хонаки ит. Хонаки гул. Хонаки ўрдақлар.

3 Хона ёки уй ичида бўладиган, уйда бажариладиган. Хонаки базм. Хонаки иш. Хонаки ҳўнар. ■ [Қори:] Бунақа хонаки гапларни кейин қиламиз. Ҳозир гап ариза ёзишда. Уйғун, Дўстлар. У [Элчибек] кўп йиллардан бери, мана шундай, ҳамма нарса ни унутиб, атир, таом ҳидлари анқиган шинам уйда бемалол, хонаки ўтириш қилгани йўқ. А. Мухтор, Туғилиш.

ХОНАКИЛАШМОҚ Уй шаронтида яшашга, кўлдан овқатланишга ўрганмоқ (ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида).

ХОНАКИЛАШТИРМОҚ хонакилашмоқ фл. орт. н.

ХОНАЛИ I Маълум миқдорда хонаси бор. Бектемир дўстлари Дубов, Асқар полвон ва бошқа бир неча жангчилар билан икки хонали бир уйга жойлашди. Ўлбек, Куёш қораймас. Бир хонали пакана уйин Ёритади ёниб жинчируғ. Х. Пўлат.

2 Маълум миқдордаги катаги ёки бўламчалари бор; катакли (жадвал, дафтар, шахмат тахтаси, босмахона яшиги ва ш. к. ҳақида). Шаҳмат тах-

таси олтимиш тўрт хонали бўлади. Ун олти хонали яшиқ.

3 мат. Маълум миқдордаги хонага эга (қ. хона 4). Уч хонали соғ. Беш хонали соғ.

ХОНАНДА [ф-т] Ашула, кўшиқ айтувчи санъаткор; ҳофиз. Хонандалар етти парда оҳангида куйлашаркан, Етти кеча, етти кундуз тинимсиз тўй тўйлашаркан. Шайхзода. Босмачилар «базм»ларига, ўйин-кулгиларига кўпинча созанда ва хонандаларни, аски-ячи ва қизикчиларни зўрлик билан олиб кетардилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Пойтахтимиз кучоғи ўз санъатини намойиш қилиш учун келган хонанда, созандалар билан ҳаммаша гавжум. «С. Ўзбекистон», 1964, 24 июнь.

ХОНАНИШИН [ф-т] Доммо уйда ўтирадиган; кўчага, бошқа ёққа чиқмайдиган. Бобонинг хонанишин бўлиб қолганидан фақат шу қизалоқ [набираси] хурсанд эди — ахир, у энди ҳеч зерикмади. Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

ХОНАСАЛЛОТ сўж. Уйнинг куйгур, бадбахт. — Меҳнаткаш, шўринг қургур, ўлиб-тирилиб қазиган ариқ суви хонасаллот боиларнинг еридан ортмасди, — деди Қаршибой ота. Х. Назир, Сув гадоси. — Қийнаб ўлдирилган дўстларимиз учун, бадном қилинган қизлар учун, хонавайрон бўлган қишлоқлар учун, хонасаллот босмачилардан ўч олишга қасам ичман, — деди Мўътабар. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

ХОНАСИ Бирор ишни амалга ошириш учун қулай пайт, қулай фурсат. Ҳозир зап сайил қиладиган хонаси-да, ўртоқ Раҳмонқулов. А. Мухтор, Туғилиш. У [Асрора] хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. С. Аҳмад, Уфқ. [Очилдов] ҳар гал планини дўндириб, «қани, келаси йилга ким дов?» — деб тураверди. Хонаси келса, баъзан кураш ҳам тушади. А. Мираҳмедов, Ут юраклар.

ХОНАТЛАС Маҳаллий саккиз тепкили атласнинг энг аъло навларидан бири. || Хонатлас кўйлак.

ХОНАҚОҲ [ф-т] I дин. Масжиднинг намоз ўқиладиган, одатда кенг ва катта хонаси. Қарвонсаройнинг ёнида катта бир хонақоҳ бор эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Қичик масжид қишлоқнинг этак маҳалла деб аталган қисмида бўлиб, сиқикроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 дин. Эшоннинг сўфилар билан birlikда зикр тушадиган хонаси, хужраси. Эшоннинг уйлари зикр тушадиган хонақоҳга туташган эди. Ф. Гулом, Шум бола. Эшон уни «фарзандим» деди. Хонақоҳнинг пойзагидан жой берди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 тар. Революциядан илгариги даврларда, ғариб ва мискинлар истиқомат қиладиган уй; ғарибхона, дарвешхона.

ХОНАҚОҲНИШИН [ф-т] Хонақоҳдан чиқмасдан тоат-ибодат билан шуғулланидиган, кўпинча умрини хонақоҳда ўтказадиган; тарки дунё қилган. — Эшонтўра ҳазратлари машҳур хо-

нақоҳнишин шайхлардан бўлмасалар ҳам, кашф-қаромат эгаси, «соҳиб ҳол» бир кишидирлар, — деб Исомиддин жавоб берди. Айний, Дохунда.

ХОНЗОДА [ф-т] I Хоннинг фарзанди (ўғли ёки қиз), хон авлоди. Подшоҳзода, хонзода, хўжазода, албатта, бир ерда нишонаси бўлади. «Равшан». | Зодагонлар табақасига мансуб; аслзода; тагли-тугли. Гўлоҳдан чиққан таги настни бошингизга урасизми, олсангиз — бирор хонзодани олинг, деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз. Х. Гулом, Машғал.

2 Хонзода (хотин-қизлар исми). ХОНИМ I I Аёлларга ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда қўлланади. Қудамиз Мирзакарим қутидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлмайди, бизлар бунда соғ-саломатдирмиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ҳурмат юзасидан аёллар исмига қўшиб айтади, мас. Муқаррама хоним, Тамара хоним, Ҳалима хоним. ■ Ой юзли рафиқам, кундуз қошли маъшукам Қумуш хонимга! А. Қодирий, Утган кунлар.

3 с. т. Гўзал, барно аёл; хушбичим жувон. Ҳой-ҳой, хоним, йўл бўлсин, Қаргага йўрғалийсиз! «Кўшиқлар».

ХОНИМ II Хамир орасига қийма солиб қасқонда пишириладиган бир турли овқат.

ХОНИШ [ф-т] Ашула айтиш, куйлаш. То ярим кечагача умрида ўйин-кулги кўрмаган чўлда ҳофизлар хониши эшитилди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. Ушанда сандалга оёқни суқиб, Тўйчи ҳофизнинг хонишини эшитиб ўтира-миз. С. Аҳмад, Ҳукм. «Волағнинг радиоси тинимсиз хониш қилади. «Муштум», 1962, № 24. | Сайраш. Булбуллар хониши сира тинмасди. ■ Азим балхи тут шохиди савға хониш қилади. А. Мухиддин, Ҳада.

ХОНЛИК тар. I Хон лавозими. Халқ чин хонлик билан уни [Худоёрни] муборакбод қилишди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ифандиёрга .. хонлик ҳибоси: зар чакмон, бошига жиғали шерозий папах кийгизишиб, белига олтин қилич тақиб, қўлтиқлаб тахтага ўтқаздилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Хон бошқарадиган давлат ва шундай давлат тузуми. Қўқон хонлиги. Хева хонлиги.

ХОНТАХТА [ф-т] Палос устида ўтириб овқатланиш учун хизмат қиладиган оёқлари калта стол. Хонтахта атрофига кўрпача солмақ. ■ Хўжабеков ясатуғли хонтахтани айланиб ўтиб, тўрға чиқди, қалин беқасам кўрпачага ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой. Фосиҳ афанди қўлидаги қадахини «пақ» этказиб хонтахтага қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОНУМОН [ф-т] Уйдаги мол-мулк, бор бисот, бойлик. Хонумонидан айрилмоқ. ■ Одамлар севгисини деб, хонумонидан ҳам, жонидан ҳам кечади, дейди Суннатилла. А. Эшонов, Тошдан қаттиқ, гулдан нозик, [Камтир:] Ҳам-

манинг мому мулки, хонумонини йиғиб олиб, ўртага солар эмиш. П. Турсун, Ҳўитувчи. | Уй-жой, хонадон. Чорасиз Ҳўрбиби сочини ёзиб, юзини юлар, «хонумонингга ўт тушин, золимлар, болаларингиз кўчада ёшим қолсин», — деб овози борича дод-фарёд қиларди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. [Жамила Ғофирга:] Бас! Бас! Бас! Уртаманг мени, .. хонумонингга ўт қўйгинлар, бошимда тегирмон тоши юргизсинлар! Мен сиздан ажралмайман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ХОНҚИЗИ** Танаси ярим шар шаклидаги, рангдор, одатда ярқироқ, устки қисмида қора холлари бўладиган кўнғизча.

**ХОР I** [ф-т] I Ўзтиборга, хурматга сазовор эмас; безътибор; камситилган, таҳқирланган. Севгини хор айлама. Нимани қилсанг хор, шунга бўласан зор. Мақол. — Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да шунча хўрлаганингу. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қуллик билан яшардик, тортардик алам, Меҳнат қилган хор эди, кўрмасдан роҳат. Ғайратий. [Муқимий:] Ҳақиқат истаганлар бўлдилар хор, Қиммики муттаҳамдир, юртга саркор. С. Абдулла, Ота ва ўғил. Оқсоч — хизматчи деганингуизми? Нега уни бундай хор қилибсизлар? А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Оғир, аянчли, ночор аҳволга тушган; ғоят қашшоқ. Хунар — зар, хунарсиз — хор. Мақол. Хунарли эл хор бўлмас. Мақол. — Ғафлат кишини охири хору хароб этар. Ҳабибий.

3 Ҳеч ким назар-писанд қилмайдиган, қадри йўқ, қиммати тушган. Бозорда меваалар хор. Чўпни хор тутсанг кўзга тушар. Мақол. — [Ўзбек ойми Зайнаба:] Келинни хор тутар экан, демасинлар, сен ҳам ўзини тутат! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХОР II** [р<грек] I Вокал ашулаларни биргаликда ижро этувчи ашулалар коллективи. Хор ансамбли. Хор кепеласи.

2 Шу тарзда ижро этиш учун ёзилган кўп овозли музика асарни. Дам олиш кунларида янги ташкил топган колхоз клублари ва завод ҳаваскорлари орасида бўлиб, Тўхтасин ака уларга янги ёзилган хор ва лапарлар ўргатар эди. С. Абдулла, Халқ бастакори.

**ХОРГУЛ** [ф-т] Наъматакининг сариқ очиладиган бир тури.

**ХОРЕОГРАФИК** [р хореографический] Хореографияга онд. Хореография санъат.

**ХОРЕОГРАФИЯ** [р<грек] Рақс ва балет асарлари ҳамда уларни сахнада ижро этиш; рақс ва балет санъати. 1928 йилда Самарқандда музика ва хореография институтининг очилиши Набижонни қувонтирди. А. Исроилов; Инсон ва кўшиқ.

**ХОР-ЗОР** Оғир, аянчли аҳволга тушган; таҳқирланган. Сув келтирган хор-зору, кўза синдиран азиз. Мақол. — Тўтиқушининг болаларидек бир-би-

рига зор, интизор бўлиб, бир-бирига этишолмай хору-зор бўлиб юрган мискиндлар оҳига нечук қулоқ солмас экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ута қашшоқ, мухтож. Кўрпа-ёстигини орқалаб хор-зор юрган одамларнинг саногчи йўқ. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ХОР-ЗОРЛИК** хор-зор с. белги оти. Оч-яланғоч, хор-зорликда кун кечирган Жомбой меҳнаткашлари зулм ва ҳақсизликка қарши кураш бошладилар. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ХОРИЖ** [а] I Бирор нарсадан холи, овозд, бўш (одам ҳақида). Бу ишдан мен хорижман. Жанжалли масаладан ўзини хориж тутмоқ. Хориж бўлмоқ. Хориж қилмоқ. — Уртоқ Мансур, мени шу ишдан хориж қилиб қўйиши яхши бўлар эдим, дейман. З. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

2 Хорижий мамлакат; чет эл. Журъат этмай элга қарши боришга, Бухоро амри қонди хорижга. Ғ. Ғулом.

**ХОРИЖИЙ** [а] I Мамлакатимиздан ташқаридаги, биз яшаб турган мамлакатдан бошқа. Хорижий давлат. Хорижий матбуот. — Биз, бир гуруҳ совет кишилари, кўҳна ва бой тарихга эга бўлган хорижий Осиё шаҳарларидан бирини томоҳи қилиб юрардик. Мирмуҳсин, Ғафлатдаги одам.

2 Чет эл кишили, чет эллик. У [Мурод мирзо] бу ерга тўпланадиган хорижийларнинг бахсларини тинглашни яхши кўрарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХОРИҚУЛЛОДА** [а] эск. кт. айн. фавқуллода.

**ХОРЛАМОҚ** Қадри-қимматини туширмоқ, камситмоқ, хор қилмоқ. Нонни хор қилган унга зор бўлади. — Наҳотки ёшлигда бира катта бўлган бир манқага кўзи тушгани учун шунча хорласа-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХОРЛИК** хор I с. белги оти. Қўтқардинг элини зулму қўлғатдан, Хорликдан, зорликдан ҳам уқубатдан. Фозил шоир.

**ХОРЛИК-ЗОРЛИК** хор-зор с. белги оти. Сидиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган, лекин ҳамма қишлоқ қарияларидай кексаликка сўз бермайдиган, ғайратли, тетик эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХОРМЕЙСТЕР** [р+нем] Хор раҳбари (қ. хор II).

**ХОР-ХАС**, хору хас Ҳар турли хас, хас-чўп, хас-хашак. [Баҳор ирмоқлари] кузнинг хор-хасларини аллақайларга оқизиб кетади. Х. Ғулом, Машъал.

**ХОС** [а] I Бирор кимса ёки нарсанинг ўзигагина онд, ўзидагина бўладиган. Болаларга хос қилиқ. Раҳбарнинг ўзига хос ши услуби. — Ҳаёт кўнмади, жажжи қизларга хос адо билан: — Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У [Элмурод] қайтган вақтда ёлғир тинган, лекин бу ернинг ўзига хос об-

-ҳавосига мувофиқ ёлғирдан кейин қаттиқ шамол турган эди. П. Турсун, Ҳўитувчи.

2 Бирор шахснинг ўзигагина тегишли бўлган, ўзигагина фойдаланадиган; шахсий (асосан изофали бирикмаларда). Абдуллахон қабул маросимидан кейин хўжраи хосига чекиниб зарбоф тўшакда ўтириб, «Борис Годунов»нинг ўзбекчага таржима қилинган ёрлигини яна кўздан кечира бошлади. М. Осим, Элчилар. Хўжранинг икки тарафидан эшиги бор эди. Бир томони хонақоҳ тарафдан, иккинчи томони эшоннинг ҳовлиси — ҳарам хослари томонидан. Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 эск. кт. Бирор кимсага қарашли, унга яқин кишилар. [Мусулмонқулининг] арзиманган сабаблар билан қорачопонларни ошириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХОСА(КИ)** фольк. Наслдор, зотдор. Хоса тулпор.

**ХОСИЯТ** [а] I Ижобий хусусият, яхши фазилат, хислат. Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел болгаса меҳнатга ким, азиздир. Ҳабибий. [Ўзбек ойим] «Рост, бу келиннинг ҳуснидан ҳам бошқа яна тагин бир алоҳида хосияти борга ўхшайдир», .. деб кулар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Хосияти йўқ** I) ижобий натижа бермайдиган; фазилатсиз. Бу ишнинг хосияти йўқ; 2) яхшиликка олиб бормайдиган, бахтсизликка дучор қиладиган. Кўп йиғлама, кўз ёшининг хосияти йўқ.

2 Хосият (хотин-қизлар исми).

**ХОСИЯТЛИ** Яхши хусусиятга эга; ижобий натижа берадиган; фазилатли. Бу ернинг офтоби, шамоли, суви ана шундай хосиятли. Ойбек, О. в. шабадалар. [Гулжон Мирзараимга:] Вой, айланай, сизнинг дуойингиз хосиятли экан. Ҳамза, Паранжи сирлари. «Бўтам, сўвдай азиз, хосиятли бўл!» С. Акбарий. I) Бахт келтирадиган, қўтлуғ. — Сенинг пойқадаминг хосиятли келди, ўғлим, золим Афандиёр зулми барбод бўлди, — деб эди Қурбон ота. Н. Сафаров, Севги.

**ХОСИЯТСИЗ** айн. бехосият. — Қиз боланинг бемаҳал юриши хосиятсиз эмиш, Мамед ака! — деди Света ясама табассум билан. Ё. Шукуров, Уч савол. [Поедин:] Бу хосиятсиз одам. Кўндан билман, эҳтиёт бўлинг, Ойқиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХОСЛИК** хос с. маъв. от. Мўҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир юракда мисли кўрилмаган ўзига хослик билан барқ уради. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХОССА** [а] Нарсанинг ўзига хос хусусияти. Газларнинг хоссаси.

**ХОСХОНА** [а+ф-т] I Катта мансаб эгалари ёки хукумат бошлиғи турадиган жой, сарой; резиденция. Ғилам устига хонтахта қўйилиб, дастурхон ёзилган, шийпон тўйидаги эшикдан кириладиган хосхона эса бутун бир гарнитур, анвойи жиҳозлар билан беа-

тилган эди. Ҳ.Ғулум, Сенга интиланман.

2 Бирор шахнинг ўзига тегишли бўлган, ўзигина фойдаланадиган уй, хона. *Қизнинг хосхонаси берк эди.* — Янги бўялган хосхона эшиги ғичирлади. Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

**ХОТАМ** [а] эск. кт. Имзо ўрнини босиш учун мактуб охирига чекиладиган ва мактуб эгасининг номи ўйилган тамға, муҳр (бу кўпинча узук кўзига ўрнатилар ва қўлга тақиб юриларди).

**ХОТИМА** [а] 1 Бирор нарсанинг охири, сўнги, тугаши, тамом бўлиши. *Ишининг хотимаси.* — Ғулумжон ўйлар, ўйларига хотима тополмай толиқар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Хотима бермоқ** тамом қилмоқ, тамомламоқ, тугатмоқ, бархам бермоқ. *Гапга хотим бермоқ.* — Мулла Обид .. қулоғининг оғирлиги устида қиттак тўхтаб, қиссамизнинг бу фаслига хотима берамиз. А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўп вақтлардан, ҳатто йиллардан бери ичида давом этиб келаётган бу тинимсиз курашга энди хотима бермоқчи бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Хотима ясамоқ** хулоса ясамоқ, якунламоқ, тугатмоқ. [*Домла*] Ғулумжонга ўқрайиб, гапига хотима ясади. М. Исмоилий Фарғона т. о.

2 Адабий асарнинг охириги якунловчи қисми, хулоса қисми; эпилог. *Дарслик кириш қисм, 18 боб ва хотимадан иборат.* — *Дискуссия шитирикчилари .. ёзувчи Ойбекдан романнинг давомини ёзишни сўради.* Чунки, романнинг *ғўзал хотимаси* шунини тақозо қилади. «К. Ўзбекистон», 1946, № 22.

**ХОТИН** 1 Жинсий жиҳатдан эркак тоифасига зид, туғиш, эмизиш қобилиятига эга одам; аёл. *Эри бор хотин. Бева хотин. Доктор хотин. Қолхозчи хотинлар. Хотин киши айн. хотин* 1. Булар тўққиз ойга яқин бира туршишан бўлса, шу давр ичида Ғаффоржонни кўрган эркак кишининг гаши, хотин кишининг раҳми келар эди. А. Қаххор, Хотинлар. **Хотин оши** тўйда хотинларни махсус чақириб бериладиган ош ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим.

2 Бирор эркак никоҳидаги аёл. *Суюкли хотин. Хотин олмоқ. Хотин қўймоқ. Эр-хотиннинг уруши* — дока рўмолнинг қуриши. Мақол. — *Акрамжон, бутун диққати хотинида бўлгани учун, мени пайқамди.* А. Қаххор, Минг бир жон. *Нажмиддинбойнинг бош хотинидан Нурининг эри Фазлиддин туғилган.* Ойбек, Қутлуғ қон. 3 с. т. Турмушга чиққан, қиз эмас, жувон.

♦ **Хотин пешин** эск. хотинларнинг пешин намозини ўқийдиган вақти (кундуз соат 4—5лар чамаси). **Хотин талоқ** қ. талоқ 1.

**ХОТИНАК:** хотинак супурги қ. супурги.

**ХОТИНБОЗ** салб. Тез-тез хотин олиб, хотин қўядиган. *Хотинбоз одам.* — *Раис хотинбоз эмиш, даладами, идораси-*

*дами, иш қилиб дуч келган жойда хотинларга ёпишаверармиш.* С. Ахмад, Хукм. | *Фоҳишабоз.*

**ХОТИНЁНҒОҚ** Бодомнинг бир тури.

**ХОТИНЛИ** Хотини бор, уйланган. *Қумушининг ғўзаллик таърифини ғўйибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар .. қутидорниқига совчиларни турна қатор юбора бошлаган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХОТИНЛИК** 1 хотин с. белги оти. *Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Хотинликка олмоқ** бирор хотинни ўз никоҳига ўтказмоқ, уйланмоқ. *Бой хотинликка олгандан кейин, ўғли ҳам бирдан ўлиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Хотинларга, хотин-қизларга хос хусусият, хислат, фазилат. *Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва буни хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга бу жувоннинг гаплари, катта ишонч ва зўр мамнуният билан гапириши унча ботмади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

3 с. т. Хотинли. [*Заргаров:*] *Сиздан бир оғиз сўз! Бир оғиз! .. «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман», десангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин деган закон йўқ! Йўқ!* А. Қаххор, Оғрик тишлар. *Тешибой замонасининг беш-олти хотинлик қолоқ боиларидан бўлмай, .. онгли бойлардан бўлиб, ниҳоятти иккита хотини бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХОТИНПАРАСТ** 1 Ўз хотинини ўта даражада севадиган, хотинига берилиб кетган.

2 айн. хотинбоз.

**ХОТИНСИЗ** Хотини йўқ, уйланмаган; бўйдоқ. *Хотинсиз эркак. Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш — жафо.* Мақол.

**ХОТИНСИЗЛИК** хотинсиз с. маъ. от.

**ХОТИНФУРУШ** эск. Хотинларни олиб сотиш билан шуғулланувчи; эркакларга хотин топиб бериш орқасида тирикчилик қилувчи. [*Ғофир қози ва имомга:*] .. *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруши қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ХОТИН-ХАЛАЖ** с. т. Хотин-қизлар, аёллар. *Оқ дока билан юзларини бекитиб олган хотин-халажлар, офтобда пишган қоп-қора, ярим яланғоч болалар билан бозор гавжум.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Яхлит-яхлит пахта пайкаларида тўп-тўп йеит-қизлар, ёй-яланг, хотин-халаж.* С. Абдуқаххор, Олтин водийларни кезганда.

**ХОТИНЧА** айн. хотинчасига. *Хотинча юриши. Хотинча ўйинга тушмоқ.* — *Ҳамманинг диққати хотинча*

*кийинган ва эшик ёнида ерга қараб турган йигитга жалб бўлди.* А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

**ХОТИНЧА** хотин 2 с. кичр.

**ХОТИНЧАЛИШ** Қилиғи ёки хатти-ҳаракати билан хотинларга ўхшаган, хотинларни эслатадиган (эркак киши ҳақида). *Шукуржон билан бирга узун бўйли, ингичка, хотинчалиш бир йеит ҳам имтиҳон топширган эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Бошлиқнинг бу қилиғи [Элчибекка] .. хотинчалишироқ бўлиб туюлди.* А. Мухтор, Туғилиш. | *Хотинларга хос.* — *Машариф ака,— деди Лазизхон ингичка, хотинчалиш овози билан,— сиз нега «Эрматжонларнинг қўлидан келмайди», дейсиз?* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

**ХОТИНЧАСИГА** рвш Хотинларга ўхшаб; хотинларга хос равишда. — *Яхшироқ ишласа, тўпласа бўлади,— деди Кимсан чўнтак тиккан ипини хотинчасига тиши билан «қирс» этиб узиб.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ХОТИН-ҚИЗЛАР** Турли ёшдаги аёллар, хотинлар ва қизлар. *Сайлаш ва сайланишда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқлидирлар.* «ЎзССР Конституцияси». *Очиқ хотин-қизларнинг ҳар бир ҳаракатидан мулла Норқўзи бузуқликка далолат қиладиган талай белгилар топади.* А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

**ХОТИР** [а] 1 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги бирор таассуротни эсда сақлаш, эслаб қолиш қобилияти; эс, ёд; хаёл. *Студентлик йилларим ҳали ҳам хотиримда. Бу шеър хотиримда йўқ. Айтган гапларим хотириндан чиқмасин. Хотирга олмоқ. Хотирда тутмоқ. Хотирдан кўтарилмоқ.* — *Хотиримда: илк бўса бизни Ҳаддан зиёд қилмиш эди шод. Уйғун. Бу рақамлар кекса санъаткорнинг баракали умрини ва унинг халқ олдида қилган катта хизматларини кишининг хотирида жонлантиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳақимбойвачча ёлғиз қоларкан, унинг маълум ва чала маълум кирди-корларини бир-бир хотирдан кечирди, унинг эпчиллигига қойил бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Уйлаш, фикрлаш қобилияти; фикр; мия. *У ёқимли овоз ва шўх оҳанени бутун вужуди билан эсимлади.* Тинглаган сайин хотири равшанлашарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. .

3 Бирор кимса учун қилинадиган хурмат; юз-хотир, андиша. — *Хўп, синф раҳбаринг хотири [туфайли] .. гуноҳиндан ўтиб турамиз,— деди директор Тўлага.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Ҳеч бўлмаганда иккита боласининг хотири учун хотинини хурмат қилиши лозим эди.* И. Акрам, Адолат. — *Ҳали ҳам кўнглинг ундами, ҳали ҳам унинг хотирини риоя қиласанми?* — *деди Ҳамдам, аразлаган оҳанг билан.* Айний, Қуллар.

♦ **Бамайли хотир** қ. бамайлихотир. **Хотири жам** ташвишлардан қутулган, беташвиш. — *Сизнинг эвендан хоти-*



рим жам, холажон,— деди Рустам. Ойбек, О. в. шабадалар. **Хотирри паршон** хаёли сочилган; фикри тарқоқ; паршонхотир. **Хотирри паршон Султон** бўзи камон сингари эзилган қаддини икки қўли ёрдами билан тиклаб, базўр ўрнидан турди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**ХОТИРА** [а] 1 айн. **хотир** 1. **Хотира**си кучли одам. — **Хотирамда сени жанг сари Шу** вокзалдан кузатган дамлар. Уйғун. **Бу ер улуг Ватанам кўрки, Хотирамда мангу қолади.** Ҳ. Са-лох.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот. **Саёҳат хотиралари.** — **Сенга бир вази-фа,** — деди **Марҳамат Аҳмадининг қўлига қалин дафтар тутқазиб.** — **Мана бу отрядимизнинг кундалик дафтари бўлади.** Бугундан бошлаб хотираларни ёзиб борасан. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тоштемур Рустамовнинг ёрқин хотираси совет кишиларининг қалбида абадий яшайди.** А. Раҳмат, Матросов изидан. | Ёдда, эсда сақланиши лозим бўлган нарса; эсдалик. | **Ботир Дилбарга:** Салом! [китебни узашиб] **Мендан сизга хотира.** Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, у кишига хотира бўлиб қолади.** Ҳ. Қодиров, Қадр шуми? **Хотира дафтари** хотира, эсдаликлар ёзилган махсус дафтар. Саодат ўзига керакли ҳамма гапларни хотира дафтари-га ёзиб олди. Ж. Шарипов, Саодат. | Доимо эслаш, унутмаслик. **Хотира учун берилган сурат.** **Отам хотираси учун мармар тош қўйдим.**

3 Хотира (хотин-қизлар исми).

**ХОТИРЖАМ** [а] Бирор ишнинг кўн-гилдагидек бўлишига ишончи қомил. **Нурматжон «Қаромат бебошлик қилгани туфайли онаси мендан қаттиқ хижолат тортиб юрган бўлса керак», деган ўйда ишнинг оқибатидан хотиржам эди.** А. Қаҳҳор, Қизлар. **Ота хотиржам чиқиб кетди.** С. Аҳмад, Тошоша. | Беташвиш, осойишта. **Тўғсонлов олағовурдан чўчиб, идорага киргач, ўзини бир оз хотиржам сездим.** П. Турсун, Уқитувчи. **Ҳаммасидан озод ва хотиржамман.** П. Турсун, Уқитувчи. **Бошқарма ҳайъати янгилангандан кейин муҳаррир жуда хотиржам бўлди.** А. Қаҳҳор, Сароб. **Район раҳбарлари билан гапиришсангиз, улар .. ҳаммани хотиржам қилиб қўядилар.** «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 137.

**ХОТИРЖАМЛАНМОҚ** Хотиржам бўлмоқ; тинчланмоқ. **Коммунистик меҳнат ҳаракати қатнашчилари .. қўлга киритилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолмайдилар.** «Қ. Ўзбекистон», 1963, 25 апрель.

**ХОТИРЖАМЛИК** 1 Бирор кимса ёки нарса халақит бермайдиган тинч шароит; тинчлик, осойишталик. **Бобо чой хўлаб туриб, аста жимлайди.** **Хотиржамлик рамзи бу.** Э. Охунова, Бахти кулганлар. [Холмат Рузвонга:] **Келинг ойимпоши!** **Хотиржамликда**

сўзлашиб, ҳасратлашиб олайлик! Ҳамза, Қим ўғри?

2 Беғамлик, беғарволик. **Хотиржамлик кайфияти.** — **Мўл ҳосил етиштириб келатган хўжаликларда ва бригадаларда хотиржамликка берилиш кайфияти қатта таъмин шартидирини керж.** «Қ. Ўзбекистон», 1963, 14 июль.

**ХОТИРЛАМОҚ** Бирор кимса, нарса ёки таассуротни эсга олмақ, эсламоқ. **Утмишни хотирламоқ.** — **Тоға деганинг эсимдан чиқмайди.** **Уша вақтларни хотирлаганимда бутун умр йўлинг эсимга тушади,— деди Ефим.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Бу аҳли мажлисга шундай таклиф бор, Ленин деб атайлик яни водийни.** **Шу номда орзулар бўлар барқарор, Мангу хотирлайлик доҳий ёдилди.** Ё. Мирза.

**ХОТИРЛАШМОҚ хотирламоқ** фл. мажх. ва ўзл. н. Яна кунлар, ҳафталар ўтди. **Лекин Элмурод Гулсўм устидаги гаплар билан хотирланган у кунни эсдан чиқармади.** П. Турсун, Уқитувчи.

**ХОТИРЛАТМОҚ** 1 хотирламоқ фл. орт. н.

2 Хотирга солмоқ, эслатмоқ. [Домланинг] **икки лунжи осилган, ҳаракатда айқ, юришида ўрдакни хотирлатади.** А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХОТИРЛАШМОҚ хотирламоқ** фл. бирг. н. **Мен уни таклиф қилдим, ўтмиш кунларнинг аччиқ-чучугини хотирлашдик.** Ойбек, Нур қидириб.

**ХОТИРЛИК:** малули хотирлик билан эск. истар-истамас, эриниб. **У малули хотирлик билан ўрнидан турди.**

**ХОТИРОТ** [а] 1 Хотира учун қоладиган нарса; эсдалик. **Дўстларинг билан сен қилган мардликдан Ёзибсан очиқ хат — олтин хотирот.** Ғайратий.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги таассурот, кишининг кўрган-кечирганлари. **Отабек Шамой хотиротини сўзлаб берди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХОЧ** [арманча] эск. Вертикаль ўқ ва унга кўндаланг қадалган бир ёки ундан ортиқ шодадан иборат предмет, христиан динини ифодаловчи рамз; бут, крест. **Машина устида узун қора кийим кийиб, бўйнига хоч тақиб олган поп келмоқда эди.** У. Мирзаев, Октябрь жанглариди.

**ХОҚОН тар.** Ўрта аср туркий халқлардаги йирик давлат бошлиқларининг унвони ва шу унвонин олган шахс; улуг хон. [Мажиддин Хусайн Бойқарога:] **Улуг хоқон, бу хокисор қулинегининг бир тортиғи бор.** Ойбек, Навоий.

**ХОҚОНИЙ** Хоқонларга хос. [Ойхола Холисхона:] **Бўлмаса бундай хоқоний давлатни қўйиб, қайга борасан!** Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ХОҚОНЛИК тар.** 1 Хоқон лавозини. **Хоқонликдан воз кечмоқ.**

2 Хоқонга қарашли давлат ёки мамлакат.

**ХОҲ** [ф-т] боғл. Айрим гаплар ёки гап бўлақларини ўзаро боғлаб, «ёки», «ёхуд», «майли», «хоҳласа», «бўлса ҳам» каби маъноларда такрор ҳолда ишлатилади. **Хоҳ келсин, хоҳ келмасин,—**

менга барибир. **Хоҳ ёш, хоҳ қари — ҳамма тўнланди.** **Хоҳ бугун, хоҳ эртага.** — **Ҳар нарсадан азиз бу ер тупроғи:** **Қадамни хоҳ кўзим, хоҳи ерга қўй!** М. Алавиа.

**ХОҲИШ** [ф-т] Бирор нарсани хоҳлаш, исташ, унга интилиш; истақ. **Хоҳиш билдиримоқ.** **Чой ичишга ҳеч хоҳишим йўқ.** **Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара!** Мақол. — **Турсунбой ҳамма вақт хоҳишига етган, нимани хоҳласа, ўшанга эришган бола эди.** С. Аҳмад, Уфқ. **Зебо госпиталга ўз хоҳиши билан фельдшер бўлиб кирган.** Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХОҲЛАДИМ** с. т. Загс. **Хоҳладимга бормоқ.** — **Ўзим хоҳлаб тегялман!** — деди **Бегимхон .. Қишлоқ советида «хоҳладим» қорозга қўл қўйдим.** И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ХОҲЛАМОҚ** 1 Бирор нарсага ўзида эҳтиёж сезмоқ, унга эришиш, етишиш зарур деб билмоқ, истамоқ. **Сиз нимани хоҳлайсиз? Магазинда киши хоҳлаган нарса топилади.** — **Хуширўй ҳануз пинагини бузмайдир:** «**Эр қуриб кетган эмасдир, хоҳласам, эртагаёқ эрга тега оламан,**— дедир. А. Қодирий, Утган кунлар. [Фотима:] **Насибанинг ўзи ўқини хоҳламаса, ҳеч кимга гап тегмайди.** А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. **Ёши ортиб бораётган ҳар бир қиз, ҳар бир жувон сингари Тўраҳон бола кўришни хоҳлар эди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўз хоҳиши билан танламоқ, рози бўлмоқ (қиз ёки йигит ҳақида). — **Ёлғон гап! Ўзим хоҳлаб тегялман!** — деди **Бегимхон жазҳл билан.** — **Ўзим хоҳладим!** И. Раҳим, Чин мухаббат. **Нурматжон никоҳ ҳаракатида тушган эди, нима бўлиб хотин-қизлар бўлими аралашди-ю, иш бузилди:** қиз **Нурматжонни хоҳламаган эмиш!** А. Қаҳҳор, Қизлар.

**ХОҲЛАШМОҚ хоҳламоқ** фл. бирг. н. **Улар ўқини хоҳлашар эди. Йигит билан қиз бир-бирини хоҳлашади.**

**ХОҲ-НОҲОҲ** [ф-т] Истар-истамас, чин кўнгилдан хоҳламаган ҳолда. **Хоҳ-ноҳош шундай қилишга мажбур бўлдим.**

**ХРЕН** [р] Илдизи узун ва тармоқлаб кетган, таомга доривор сифатида фойдаланиладиган ўсимлик.

**ХРЕСТОМАТИЯ** [р<грек] Турли бадий, тарихий ва ш. к. асарлар ёки улардан олинган парчалар тўнламиндан иборат ўқиш китоби. **Адабиёт хрестоматияси.**

**ХРИЗАНТЕМА** [р<грек] Мураккаб гулдилар оиласига мансуб, қатма-қат тўпгуллари турли рангда қройли бўлиб очиладиган зийнатли ўсимлик ҳамда шу ўсимликнинг гули. **Қумри она мактаб биносининг деразалари қарши-сида очилиб турган ажойиб астра ва хризантема гуллари олдида тўхтади.** Ибохон, Улуг кун.

**ХРИСТИАН** [р христиан<грек] Христианлик мазҳабидаги киши. **Христиан дини.** — **Ҳаромзода Исо учун**

тиз чўкиб Христианлар ўпар эди инжилни. Шайхзода.

**ХРИСТИАНЛИК** Исо пайғамбарга, яъни Иисус Христосга эътиқод қўйиш асосида эрамининг I асрида вужудга келган дин (ривоятларга қараганда, у гўё осмондан ерга тушиб, инсониятни қутқариш мақсадида бутун азоб-уқубатларни ўз бўйига олган эмиш).

**ХРОМ I** [р<грек] I Кумушсимон тусли химик элемент, қаттиқ металл (қаттиқ қотишмалар тайёрлашда қўлланади.) Хром кислотаси. Хром билан қопламоқ.

**ХРОМ II** [р<грек] Хром тузлари билан ишлов бериб тайёрланган юмшоқ, ялтироқ юпка тери. Хромдан тикилган этик. || Хром этик. Хром туфли.

■ Қосимов .. папирос қолдиғини хром этиги учиди эзгилади. Р. Раҳмонов, Довруғ.

**ХРОМЛАМОҚ I** Хром билан қопламоқ (бошқа металлари).

2 Хром тузлари билан ишлов бермоқ, пардозламоқ (чарм ёки терини).

**ХРОМЛИ** Таркибида хром бўлган (қ. хром I). Хромли пўлат.

**ХРОНИК** [р хронический<грек] Узоқ давом этадиган; доимий, сурункали. Хроник касаллик.

**ХРОНИКА** [р<грек] I Тарихий воқеа-ходисалар вақт жиҳатидан изчил қайд этилган ёзма асар; йилнома, солнома.

2 Газета ёки журналда кундалик воқеа-ходисалар бериб бориладиган бўлим. Газетанинг хроника бўлими.

3 Воқеалар хронологик тарзда ёритилган ҳужжатли фильм.

4 Сиёсий, оммавий ва оилавий воқеалар тарихини ўз ичига олган адабий асар. Хроникаларда драматург [Шекспир] миллий тарихнинг қаҳрамонона даврини эмас, балки кризис ва тарихий аҳамиятли давларини танлайди. Ф. Сулаймонова, Буюк драматург.

**ХРОНИКАЛ** [р хроникальный] Хроникага оид (қ. хроника 3). Кино соҳасида олиб боран 20 йиллик фаолиятим давомида Тожикистон тўғрисида 20га яқин хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олдим. Б. Кимёгаров, Тоғли Улка достони.

**ХРОНИКАЧИ** Хроника бўлимига (қ. хроника 2) материал тайёрловчи газета ёки журнал ходими.

**ХРОНОЛОГИК** [р хронологический] Хронологияга асосланган. Хронологик жадваллар. ■ «Бобирномада Бобирнинг ҳокимият тепасига чиқишидан бошлаб, ўлими арафасигача .. бўлган ижтимоий, сиёсий ва тарихий воқеаларни авторнинг ўзи хронологик тартибда баён қилган. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 223.

**ХРОНОЛОГИЯ** [р<грек] I Воқеа ёки ходисаларнинг вақт тартибидан изчиллиги. Улуғ Ватан уруши хронологияси. Ўзбекистон тарихининг хронологияси.

2 Тарих фанининг тарихий воқеа ва ҳужжатларнинг вақтини аниқлаш иши

билан шуғулланувчи ёрдамчи соҳаси.

**ХРОНОМЕТР** [р<грек] Вақтни жуда тўғри кўрсатадиган махсус соат.

**ХРОНОМЕТРАЖ** [р] Иш ёки меҳнат процессининг бажарилишига сарф бўлаётган вақтни секундлар ёрдамида аниқ ўлчаш.

**ХРОНОМЕТРАЖЧИ** Хронометраж иши билан шуғулланувчи киши.

**ХРОНОМЕТРИК** [р хронометрический] Хронометр воситасида бажариладиган, хронометрда белгиланадиган. Вақтни хронометрда усулда аниқлаш.

**ХРУСТАЛЬ** [р<грек] I Ёруғликда товланиш хусусиятига эга бўлган аъло нав шиша; биллур. || Хрусталь қадаҳ.

■ Патнусда гулли хрусталь графин ва платина рюмка турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қадаҳ тарелкаларга урилиб чил-чил синди, хрусталь синиқлари сарқитга аралашиб кетди, оқ дастурхон ҳў бўлиб қорайди. П. Қодиров, Уч илди.

2 Шу шишадан ясалган қимматбаҳо идиш, буюм.

**ХУВАРИ** Ҳазил аралаш энгил сўкиш формаси: шумтака, шайтон, хумпар, хумса каби. Ҳа, хувари, қўла тушингми! ■ — Вой хувари ҳожи, — деди Ниёз қушбеги, — олдидаги овни кўрмай, узоқдаги овни кўради! — худди; худди! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Шокир ота:] «Йўлчининг аини олов вақти-да, биронта ўзи тенги билан бахт қидириб кетдими, хувари!» Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХУД** [ф-т]: гоҳ худ, гоҳ бехуд гоҳ яхши, гоҳ ёмон; гоҳ ундай, гоҳ бундай, гоҳ ўзига келиб, гоҳ хушсиз. Бемор гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб турибди. ■ Шунинг учун колхозчилар бу магазинчи ҳақида гап кетганида «гоҳ худ, гоҳ бехуд», дейдиган бўлидилар. «Муштум», 1961, № 9.

**ХУД-БЕХУД** [ф-т] айн. гоҳ худ, гоҳ бехуд қ. худ. Кеча кун бўйи худ-бехуд бўлиб юрдим. ■ [Холисон:] .. Ўзингни-ки йлдиришни ҳам иложи бўлмагандан кейин, .. худ-бехуд нима қилганингни билмай қолар экансан. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ХУДБИН** [ф-т] Ўзини ёки ўз манфаатини ҳаммадан юқори кўрувчи одам; эгоист. Сиз шу кунгача барча ихтиёрни ўғлингизга топшириб, бола-бола қилмадингиз, бир худбин қилдингиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Демак, сен ёлғиз шуҳратпараст эмас, худбин ҳам, ҳамма касофат мана шунда. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХУДБИНЛИК** худбин с. бели оти. Бўстонбуви онгда эскилик сарқитлари йўқ эмас, характерида ҳукмронлик ва ўз райини ўтказишга мойиллик, ўжарлик ва худбинлик кучли. А. Қаҳҳор, Аяжонларим. Нодирнинг юрагида номус ўти, йигитлик лафзи, ориятидан кўра худбинлик, ўжарлик устун турарди. Ш. Ғуломов, Ерқин уфқлар.

**ХУДДИ** [ф-т] I Ҳеч ўзгарисиз, айнан, аниқ. Бу йигит худди акамга ўхшаркан. ■ Партия аъзолигига қабул

қилиш тартиби қандай бўлса, қандидатликка қабул қилиш тартиби ҳам худди шундай. «КПСС Устави». Ўтган кун кечаси худди шу ерда катта мажлис қилинди, йигирмага яқин одам тўпланди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳа, ҳа худди ўғирлатган белбоғим — тутдиқ ўғрини. А. Қодирий, Ўтган кунлар. I Роппа-роса, тўппа-тўғри, аниқ, шаксиз. Мен худди соат ўнда келдим. ■ Агар ўша кетиши бўлса, бугун худди Қўқонга бориб етган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гўё, гўёки; баайни. У худди оғзида толқони бор одамдай индамай қолди. ■ Катта-кичик водийларни қоплаб ётган туман худди кўла ўхшаб кўринар эди. А. Қаҳҳор, Олгин юлдуз. Гузар устига худди осмон ағдарилгандек, халойиқ бирдан гувиллаб қўзғалди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бўлса-бўлмаса, ҳойнаҳой; афтидан. [Майсара:] Шошмане, тақсирим! Ҳозир чиқиб бўлмайдил! У худди гумонсираб келган, эҳтимом ҳар томонга одам қўйеандир. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ХУДКОМ** [ф-т] эск. кт. Фақат ўзини ўйлайдиган, ўзини яхши кўрадиган; худбин. [Навой:] Э, насимий субҳ, аҳ-волим дилдоримга айт! .. [Ғули:] Лаъли рангин, лабзи ширин, шўйи худкомимга айт. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ХУДО** [ф-т] Диний тушунчага кўра, оламни яратган ва уни бошқарувчи олий зот (кўп худоликда олий зотлардан бири). — Шуми гаини! Яхши бўпти, — Адолат орқасини ўғириб ён-бошлади. — Худо у дунёда дўзахни тугул, ундан бадтарига солмайдими. Бу дунё қайси дўзахдан кам, — деди Зумрад. С. Зунунова, Гулхан. Аввали худо дин. аввало худо хоҳиши билан, худо қаромати туфайли. Уртоғиниз Сидиқжон мен билан биргалашиб камлик кўрмади, аввали худо, қола берса мен уни уйлантириб қўйдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Худо берди «бахтли, давлатли бўлди», «нима истаса, шунга эришди» ёки «шун қила олади», каби маъноларни ифодалайди. Кейин Гулнорга худо берди, у эрка, арзанда хотин бўлиб, эрга сўялиб, кўнглига нима келса шун қилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Худо билсин ким билади, дейсиз, эҳтимом. Қоронғида яхши ажратолмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тагин уми, бошқами, худо билсин, шатир-шутир қилди-да, чиқиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Худо(й) кўрсатмасин бирор кўнгилсиз воқеа юз бермаслигини тилаб айтилади-кан ибора. — Худой кўрсатмасин, — деди Бўронбек, — сир очилса, жамоа бизга кун бермайди. Ҳ. Ғулом, Машъал. Худо кўрсатса соғ-саломатлик, тинчлик бўлса, ўлмай юрсак. Печак гулдек бўлиб эрига чирмаишанини кўрармиз; ҳали худо кўрсатса, ўйнаб-кулиб меҳмонларингни кут! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Худо(й) кўтарсин! ёки худо олсин! қарғ. бирор кимсага бўлган нафрат-

ни ифодалаб, унга ўлим тилаб айтиладиган ибора. *Бир лауза жимликдан сўнг ҳалиги бегона хотиннинг бақирган товуши эшитилди: — Худо кўтарсин, сен мегажини! Иккита болам бор! Бўйдоқ йиғит қуриб кетганмиди! А. Қаххор, Майиз емаган хотин. Худо раҳмати раҳматли (мархумни хурмат билан тилга олганда айтиладиган ибора). — Қитоблар икки жойда ёлгон айтишни маъқул деган эканлар: битта си — эру хотиннинг орасида, иккинчиси — икки мўъминни битириш учун. Буни худо раҳмати домлаб ўқиб берар эдилар, — деди Сафар бўзчи. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Худо урган** ночор, расво. Мен сизга: «Қопонғич, жангари ит топиб келинг!» десам, худо урган итни топиб келибсиз. «Латифалар». **Худо урди** ишнинг пачаваси чиқди; расво бўлди. Кейин ерга энгашиб қўларига катта бир тош олдилар. Юрагим шув этди: «Оббо, худо урди», дедим. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Худо урди кетди** наҳотки шундай бўлса. Қўйинг-эй, Раҳимжон, гапирманг-эй! Худо урди кетди. Қизим қўлингизга тушгандан бери бир кун рўшнолик кўрмади. А. Қаххор, Сароб. **Худо уриптими** бўлмаган гап, ўлибманми, наҳотки шундай бўлса. Мени худо уриптими, — ундай деганим йўқ. **Худо ҳақи** тўғриси; чиндан ҳам, ҳақиқатда ҳам. **Худо ҳақи, одам ҳаддан ташқари қўрқса, қизик бўлар экан.** А. Қаххор, Сароб. **Ё ол худо, ё бер худо** ё ундай, ё бундай, таввақал. **Худого солдим** жазосини худо берсин. *Гулсумбиби қизининг бошини силди, йиғлаб гапирди: — Қўй, қизим, Нури тўхмат қилган бўлса, худого солдим. Узи бир кун жазосини тортар, бир кун изза бўлар. Ойбек, Қутлуг қон. **Худойга** топширдим худо тани-жонингни соғ қилсин; соғ бўл, омон бўл. **Худойга** топширдим, Кумуш, қазом этиб кўролмай қолсам мендан рози бўл! А. Қодирий, Утган кунлар. **Худога шукур** ҳаётда бирор нарсадан мамнунликни билдиради. **Худого шукур, тўй кўрдим, чимлидиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.**

**ХУДОБЕЗОР(И)** [ф-т] Ҳар қандай ёмон ҳаракатдан ҳам қайтмайдиган; ўта дилозор, бетавфиқ. — *Дарров ўша худобезорига ҳам етказдингми, ит писмиқ! — деди минебоши зугум билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ХУДОБЕХАБАР** [ф-т+а] Худодан кўрқмайдиган; динсиз. | Инсофсиз, диёнатсиз, бетавфиқ. *Шу худобехабар амир эшигида амадор бўлишдан кўра, ўғирлик қилиб юриш минг марта аъло. Айний, Жаллодлар.*

**ХУДОВАНД** [ф-т] Худонинг эпитетларидан бири. *Лекин ишчи аламзада кўзини Худованднинг даргоҳига тикмади. Шайхзода. Худованди карим Азроилга буюриб: «Бор, Луқмони ҳакимнинг жонини олиб кел», — дебди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ХУДОВАНДО** [ф-т]: худоё худовандо

худого мурожаат формаси; эй худо, худоё. — *Ё худоё худовандо! Бандаларингга ўзинг инсоф бер, — деди аёл. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Худоё худовандо**, нима бўлар экан менга ҳам минг тилла пул етказсанг.* «Латифалар».

**ХУДОГҮЙ** [ф-т] Худо номини тилдан қўймайдиган, доим тоат-ибодат билан шугулланадиган. *Худоғўй одам. — Рўзқул ўткинчи худоғўйларга қурбон ўқиб бериш билан беш тийин-ўн тийин топиб юрди. Ғайратий, Тепалик мазор.*

**ХУДОЁ** [ф-т] Худого мурожаат формаси; э худо. *Худоё худовандо! Худоё тоба! — Махсум ўзича имон келтирди: — Ё худоё худовандо, бир ожиз бандангман. Ҳуноҳим бўлса, ўзинг кечиргайсан! П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ХУДОЖҮЙ(И)** [ф-т] Худо ва дин йўлидан чиқмайдиган, худого ишонадиган; диндор, батавфиқ. [Ҳожидина:] *Мен икки йўл ҳаж қилган художўй, батавфиқ хотинман! Мусулмонларга ёмонликни асло раво кўрмайман. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бу ҳовлида баъзи художўй, гўл кишиларни лақиллатиб, ўз кароматиға ишонтирган Мастура отин яшайди. Э. Охунова, Доғлар.*

**ХУДОЖҮЙЛИК** художўй с. белги оти. *Уларнинг авом халқ олдидаги художўйликлари ҳам риекорликдан бошқа нарсани эмаслигиға гумонин қолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ХУДОЙ** [ф-т] қ. худо.

**ХУДОЙИ** [ф-т] дин. *Мархумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат. Отанинг жамгарани, ўзининг топган-тутгани худойи, маъракаларга сарфланди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. [Ҳожидина:] Мозорларга юборинг, исчиқарсин, худойи қилсин. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қосимжонгинам тушимга кирибди. Шунга озроқ худойи қилган эдим. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.*

**ХУДОЙИХОНА** [ф-т] эск. Камбағал, етим-есирларга худойи тариқасида озик-овқат бериладиган жой.

**ХУДОЙИХҲҲ** [ф-т] Худойига бориб овқатланишни одат қилиб олган киши. *Мадрасамизнинг .. «жиловхона»сида ҳар ақшанба ва пайшанба кунлари худойи-хўрлар кўча пойлаб, тикилишиб ўтирар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.*

**ХУДОЙИЧИ** 1 айн. худойиҳўр.

2 *кўчма* Жуда камбағал, қашшоқ. — *Эртага келмай қўяқолинг, ортиқча пулимиз йўқ, чиқдим бу худойичилар артелидан, — деди Сўнагулга мўйловли йиғит. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

**ХУДОПАРАСТ** [ф-т] Динга, худого ишонадиган; диндор. *Худопараст одам. || Довид асл худопараст, менга содиқ. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

**ХУДОСИЗ** Худони тан олмайдиган, худого ишонмайдиган; даҳрий, атеист.

*Доктор бир кунни [Қурбон отани] маҳаллада ўзи ташкил этган худосизлар тўғарагининг маишулотига олиб борди. А. Қаххор, Тўй.*

**ХУДОТАРС** [ф-т] эск. дин. Худодан кўрқадиган; мўмин, художўй. — *Билишимча, шу чоракор яхши одам. — Албатта яхши. Ҳаромдан парҳез қилади, бўлса бориға, йўқ бўлса йўғига қаноат қилади. Худотарс. А. Қаххор, Сароб.*

**ХУДПАРАСТ** [ф-т] Фақат ўз манфатини кўзлаб иш тутадиган; худбин, эгоист. *Худпараст, текинхўр синфлар ҳукмрон бўлган жамиятда бу иллатларнинг [низоз, парокандалик] бўлмаслиги мумкин ҳам эмас эди. П. Қодиров, Азиз анбаналар.*

**ХУК** [ф-т]: хук йили айн. тўнгиз йили қ. тўнгиз 3.

**ХУЛЁ** кам қўлл. Фақат хаёлда, тасаввурда зоҳир бўладиган, аслида йўқ нарсаси. [Ҳаётхон] *Ғуломжонни ё кўрди, ё уни бир хул ё билди, энгашиб шохни олди-ю, бир нима деб тез юриб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Ғуломжон:] Балки бу хулё, балки хатоми? У қўйини очиб қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ХУЛИГАН** [р<ингл] Жамоат тартибини бузувчи, безорилик билан шугулланувчи; безори. *Олдида хавфли хулиган, жиноятчи ўтиранган кейин [Хўжабеков] афтини буриштирмаса бўлрмиди, деб кунглидан ўтказди Шербек. С. Анорбоев, Оқсой. Қудратнинг тилиға «хулиган» сўзи келди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.*

**ХУЛИГАНЛАРЧА** рви Хулиганларга хос. *Хулиганларча сўқинмоқ.*

**ХУЛЛАС** [а], **хулласи** калом модал с. «Хулоса қилиб айтганда», «шундай қилиб», «қисқаси» каби маъноларни ифодалайди. *Хуллас, ҳамма ишларни бажардик. — Хуллас, бу чишил жумбоқ бўлиб, ечилиши жуда қийин эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳаётда, меҳнатда, жангу жадалда Қаҳрамон халқларимиз — хулласи калом. Ғ. Ғулом.*

**ХУЛЛАСИ** [а] айн. хуллас. *Юзбоши [тиллани] еганича епти, тотолмай қолганидан кейин ўғридан оғзиға зўрлаб тикилибди .. хулласи ит азобида ўлпти. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**ХУЛЛАСКИ** [а+ф-т] айн. хуллас. *Қамишқападаги икки юз эллик хўжаликнинг ҳаммаси қўлларидаги бор мол-мулкларини, ерларини, боғлари, хулласки бор висотларидаги ҳамма молларни колхозга икки қўллаб топшириб, бирварақайига колхоз бўлиши шарт эмиш. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ХУЛОСА** [а] 1 Юртилган фикр ёки мулоҳазанинг мантикий натижаси; яқун. *Хулоса қилмоқ (чиқармоқ). Мен шундай хулосаға келдим. — Чоллар бундай хулосани кутмаган бўлсалар керак, бир-бириға қараб олдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шунанга танқиддан яна бир-икки марта бўлса борми, омин оллоху акбар! — У ўзининг бу хулосасидан кўрқиб кетиб, атрофеа аланалаб қаради. С. Анорбоев, Оқсой. Шундай*

хулоса қилиб қарашса, оламда икковидан бўлак ҳалол одам қолмабди. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

2 айн. хуллас. Хулоса, Зайнабнинг болалик вақти билан ҳозирги ҳолини чоғиштириб қарасак, кўрамаиз. А. Қодирий, Утган қуилар.

**ХУЛОСАВИЙ** [а] эск. с. т. Хулоса сифатида тақдим этиладиган; якунловчи. *Хулосавий гап.*

**ХУЛОСАЛАМОҚ** Фикрнинг мантӣқий натижасини ифодаламоқ, хулосасини баён қилмоқ; якунламоқ. *Гапни чўзмай, фикрингизни хулосалаб қўяқолинг.*

**ХУЛОСАЛАНМОҚ** хулосаламоқ *фл. мажҳ. н. Муҳокама ижобий хулосаланди.*

**ХУЛҚ** [а] 1 Кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл, характер. *Хулқи совуқ одам. — Гапи гапига, хулқи хулқига тўғри келадими, йўқми, суриштирмайди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Бу мулоийм хулқ тоғ ишгитининг йша кунги айтган сўзлари беовзор қизнинг юрагига тугён қўзгаган эди.* Т. Расулов, Марҳамат.

2 Кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат; одат, қилиқ. *Қодир анча юмишарган эди. Набиғул ярамас хулқлари бор эканини бўйнига олиш билан Қодирни яна ҳам юмшатиди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. | Кишилар орасида ўзини тута билиш, ахлоқ, одоб. *Унинг рақсларида қуш энгиллиги, Шабада шўхлиги, гулнинг нози бор. Унинг одобида, унинг хулқида Инсоний камолат мавжуд, барқарор. Уйғун. Акрамининг табелидаги «хулқ» деб ёзилган графада ҳамма вақт «б» баҳоси бўларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ХУЛҚ-АТВОР** [а] Феъл-хўй, характер. *Ҳамида хулқ-атвори шамолга ўхшагани билан кўп нарсага ақли етарди.* С. Анорбоев, Мехр. *Одамлар қори Зоҳиднинг шахсий турмуши ва хулқ-атвори тўғрисида ҳам жиркани воқеалар нақл қиладилар.* Айний, Эсдаликлар.

**ХУМ** [ф-т] Бирор суюқлик, дон ва ш. к. сақлаш учун турли катталиқда ясаладиган оғзи торроқ сопол идиш. *Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Қамчи аллақакдан отига икки хум мусаллас ортиб келди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ха, дарвоқе хумда қўй ёғим, Омборда сур гўштим қолмапти.* С. Акбарий. *Калласи хум айн. хумкалла.* Э калласи хум, бад нафсига дум. Ҳамза.

**ХУМБОШ** айн. хумкалла.

**ХУМДОН** [ф-т] Кулолчиликда лойдан ясалган идишлар ёки гишт пишириладиган ўчоқ, печь. *Кулол хумдони.* — *Ху, кўрдингизми, — деди чап қўли билан кўрсатиб, — у ерда гишт хумдони қурапмиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тошкент чинни заводи ўрнида хумдон бўларди.* Ут ёқадиган дарчаси кўча томонда. Э. Эргашев, Ўзбекистон чинниси.

**ХУМДОНЧИ** Хумдонда гишт ёки кулолчилик маҳсулотларини пишириш

билан шуғулланувчи ишчи. — *Катта кўчага чиқиб олмагим учун орада биттагина Ҳамдам хумдончининг чакалагига қолди, — деди Усар ака.* А. Қодирий, Жинлар базми.

**ХУМКАЛЛА** [ф-т] 1 Боши хумдай, калласи катта; калладор. *Норматпаранг .. юзи ва бўйинлари сувга тушган нондек оқариб пўкаклашган, хумкалла, пакана одам эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўча Мияси йўқ, каллаварам, қовқош. [Олимхон:] *Хумкалла! Шарият йўлида тойган қизнинг сўзига ишонасанми? Бари хийла, бари айёрлик, макр! Ойбек, Қутлуғ қон. Лекин жуда болади, хумкаллани ўтқазиб қўйди, офарин!* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ХУМЛАБ** Хум билан; хумда. *Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХУМОР** [а] 1 от Одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чақоқлик; муштоқлик, зўр истак. *Чолнинг хумори босилди шекилли, чилмни бир чеккага суриб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. **Хумори тутди** одатланган нарсасини қўмсди, соғинди; унга етиша олмай тажанг бўлди. *Ичкаридаги тахта сўрида аллақим чилм торятпти. Старшинанинг ҳам хумори тутди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Хумор қилмоқ** бирор нарсага етишувга бўлган интилишни, истакни кучайтирмоқ; ўта хоҳлам, соғинтирмоқ (одатланган нарса ҳақида). *Папирос хумор қиляпти. — Ма-на шундай кишимиш ўсган боғлар, жийдани сарғайтириб, анорни қизартирган, пахтани етиштирган, қовунни тўрлатган далалар хумор қиладилар, — деди Элмурод. Шухрат, Шинелли йиллар. Хумордан чиқмоқ* ўйлаб юрган бирор иш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида таскин топмоқ, тинчланмоқ. *Парво қилманг, уста амаки, раис билан ўзим гаплашиб, бир хумордан чиқай.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Хуморини тарқатмоқ** (ёки ёзмак) 1) бирор кимса ёки нарсани қўмсаш, соғиниш ҳиссини қаноатлантириб, ўзини юпатмоқ, таскин топмоқ. *Тантана, зийнатни севган собиқ вазир кўп йиллаб ҳавосига кўнчиб қолган саройга тез-тез келиб, гўё хуморини тарқатиб кетарди.* Ойбек, Навоий; 2) ўзи қўмсаб, соғиниб юрган кимса ёки нарсага етишиб қаноатланмоқ, таскин топмоқ. *Энди олиб берсанг Тоёка ёримни, Мен ўйнаб тарқатсам бу хуморимни.* «Ал-поммиш».

2 сфт Бирор нарсага эришувга, етишувга иштиёқи баланд, орзуманд; муштоқ. *Собир .. шим киссасидан папирос олиб, жуда хумор бўлган кашандадай узоқ-узоқ тортиди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Пахтазорнинг кўрки — савлати бўлган зангори машина — да-*

ла кемаси неча йил соғинтирган. [Турсунной] *уни мингига кўпдан хумор эди.* Ҳ. Назир, Муҳаббатнинг туғилиши. *«Хат кутиб жонимда қолмади тоқат, Бир кўрмоққа хумор бўлди Адолат!»* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Хумор кўз ёки кўз(лар)и хумор** 1) сузук, чиройли кўз. *Зумраднинг хумор кўзларида қандайдир чуқур бир қайғу яширинган.* Ҳ. Зиёхонова, Менинг табригим. У [Гулнор] *чиройли майин товуш билан сўзларкан, йигитнинг қўлидан чойнак-пиёла оларкан, шўх, хумор кўзлари билан йигитга қарайди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) шундай кўзли ёр, дилбар. *Эй, кўзлари хуморим, Карам қил, бунча куйдирма, Куйди сабру қарорим, Дилим куйгунча куйдирма, Т. Тўла.*

**ХУМОРГАРЛИК** айн. хуморгарчилик.

**ХУМОРГАРЧИЛИК** Одат қилинган, ўрганилган нарса ёки кимсани қўмсаш, унинг йўқлигидан дилгир бўлиш, хумор бўлиш; интизорлик, муштоқлик. *Дилгирлик ҳаддан ошди, .. қора дорининг хуморгарчилиги .. ҳуснига пуртур етказган эди.* Файратий, Сабаби тириклик.

**ХУМОРИ** [а+ф-т] Хумор бўлган, иштиёқи баланд, муштоқ. *Тожибой хумори бўлиб яна нос чекди-да, отига қамчи урди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Наманганнинг анори, Қимни қилмас хумори?* Т. Тўла.

**ХУМОРЛИК** 1 хумор с. белги оти. 2 айн. хуморгарчилик. *Кенжасининг йўлмага кўзи тўрт бўлиб, хуморликдан бағри кабоб бўлган Тўхта она .. ўғлининг бошдан оғғигача синчиклаб боқди.* И. Раҳим, Танкчининг отпускиси.

**ХУМПАР** [ф-т] Ҳазил аралаш энгил сўкиш формаси, «қургур», «шайтон», «шумтака» каби. — *Вой-бўй тирикми-сан, хумпар, Тошкентга қачон келдинг?* .. — *деди Шум болага Туроббой.* Ғ. Ғулом, Шум бола. — *Хов Мадали, бормисан? Вой хумпар-эй, ҳозиргина сув очиб юривди-я. Шу ўртададир, келиб қолар, — деди Давлат полвон.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

**ХУМСА** 1 Енгил сўкиш формаси, «бемаъни», «ярамас», «аблаҳ» каби. *Кўкларга чиқариб менинг ноламни, Отим миниб, тўйини кийган хумсалар, Қайга ташлаб келдинг Аваз боламни?* «Хушкелди». *Бу ишда бой ўртада турмаса, билиб қўй, полвон, бир ыма чиқини қийин.* Наинки, хумса Ёрматинг баланд дорга осилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 айн. хунаса 1.

**ХУМЧА** Унча катта бўлмаган, кичик хум. *Ёғ хумчаси ташидан билинур.* Мақол. — *Хотин ўртага .. кичик гулдор хумчада вино билан икки стакан олиб келиб қўйди, балиқни кесиб тозалади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХУН** [ф-т] 1 айн. қон. Минг жафо бирлан эзиб қалбимни, тўқдилар хуним. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гулханлар ўчиб қолган, Оқмоқда қора тутун. Давра олган бир неча Заъфарон юз, кўзи хун. Ғайратий. — Ҳар ким шахид — ўз хунига бўялар, Элу халққа озор берма Авазжон, — деди Қулмалойиқ бо-бо. «Зулфизар билан Авазжон». **Хун бўлмоқ** рухан қаттиқ эзилмоқ. Санобар бечора йўғлайвериб хун бўлибди. Ҳ. Умарбеков, Чарос. **Хун йўғламоқ** эзилиб йўғламоқ. [Қўнғиз бола] ариқдан ўтолмай йўғламоқда хун, Кўз ёши юзини ювибди бутун. С. Абдуқаҳҳор. **Жигари** (ёки багри, юраги) хун бўлди бирор нарсадан қаттиқ таъсирланиб изтироб чекди, рухан қаттиқ эзилди. — Қизил гулдай хотиним қолди .. Воҳ, воҳ, пешанам .. — Охун пешанасига шартта уриб давом этди. — Едимга тушса, жигарим хун бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон. [Абдулазиз] шу вақт ичида қанча фойдадан қолганини ҳам тахминан ҳисоблаб кўриб, юраги хун бўлиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳлдирилган бирор кимса учун олинадиган қонли ўч, қасос. [Миша Комилга:] Бўлмаса нима учун мени фақат ўз оиласининг хунини олиш учунгина урушиб юрган кечки, шахсиятпараст деб ўйладинг? Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. Уликни тобутга солаётганда хизматкорлардан биттаси: — Бу одамхўрларни қозига бериб, бечора гўдақнинг хунини олиш керак, — деди. Ойдин, Ҳазил эмиш. **Хун довламоқ** қонли ўч олишни талаб қилмоқ. Бу қилган ишингга кўнглим тўлмади Хун довланман, нима жавоб берсанг? «Алпомиш».

3 Умуман ўлдирилган кимса, йўқотилган ёки тортиб олинган нарса учун тўланадиган ҳақ; товон. [Тўғри таъриф қилмадинг, деб сичинсининг икки кўзини ўйиб олиб кўйди [Кўкалдош]. — Қачонки ўзбекнинг оти менинг отимдан ўзгариб, сенинг кўзининг хунини бераман». «Алпомиш». — Улган сизер қозиники бўлса, нима қилиш керак? — Сизган сизер эгасидан хунини тўлатиб олиш керак, — деди Афанди. «Латифалар». **Хунини тўламоқ тар.** 1) ўлдирилган учун товон тўламоқ. Мана [оломон] Жапақнинг ўтовига яқинлашиб келди: «Мўйтон элингни қуритаман, Эгелдиннинг хунини тўла!» А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 2) бирор нарса қийматини тўламоқ. Ҳазратнинг номағиша доғ тушмасин учун шариат амрига мувофиқ сизга хун тўланади. Жўрабоев, Мулла Б. м.

◆ **Отасининг хунини сўрамоқ** бирор нарса учун ҳаддан зиёда пул ёки ҳақ сўрамоқ, бирор нарсага жуда қиммат баҳо қўймоқ.

**ХУНАСА** [а] 1 Ҳам эркак, ҳам аёллик жинсий белгилари бўлган одам ёки ҳайвон. «Балиғингиз эркакми, урочи-ми?». Афанди вазирнинг макрини тушуниб жавоб берди: «Хунаса». «Латифалар».

2 сўк. Ярамас, аблах, разил. Тегир-

монни энангинг бешиги деб ўйладингми?! Урнингни ҳам булғагандирсан, хунаса! А. Қодирий, Обид кетмон. [Жўра:] Оқ подшо деган хунаса фармон чиқариб, мардикор сўраб қолди. Урушда қўли баланд эмас шекилли. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХУНБОР** [ф-т] эск. кт. Қонга тўлган, қон оқиб турадиган. Гунча янглиғ дийдаси хунбордурман соғиниб. Муқимий. Раҳминг асло келмади иқингда, жоно, гарчиким, Диани сўзон, ўзни гирён, кўзни хунбор айладинг. Муқимий.

**ХУНБОР** [ф-т] Хун талаб қиладиган; қасоскор. [Хусайн:] Иблис Маждиддин .. Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида фармон эзиб, менга мастлигимда қўл кўйдириб олибди. Кеча тонгда у мени ҳам набирамдан, ҳам ўғлимдан жудо қилди. Энди Бадшўзжон менга фарзанд эмас, хундор душман. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ХУНИБИЙРОН** [ф-т] Ниҳоятда хуноб, рухан қаттиқ эзилган, алам-изтироб чеккан. У [Хайри] ҳарбий комиссарликдан буйруқ келиши биланоқ, бир оғиз сўз айтмай, ўғлининг кийимларини йиғиштириб ва чамадонга ҳозирлади. Фақат кечалари, ёлғиз қолаёндагина бошини ёстиққа қўйиб, хунибийрон йўғлади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлақин. «Арава ичидан хунибийрон йўғлаган овоз чиқади. Ж. Шарипов, Хоразм. Хунибийрон бўлди гул Шахло, Неки бўлса, уни юпатдим. Т. Тўла.

**ХУНОБ** [ф-т] 1 Тоқати тоқ; диққат, бўғилган, тажанг. Икки ҳафтадан бери сув оломлай [мўйсафид] хуноб экан. Ойбек, Қутлуғ қон. **Тарихлардан савол берсанг, тез берар жавоб, Утмишидаги ноҳақликдан дилеир ва хуноб.** Х. Салоҳ. **Бўтабой хлопкомдан келган хатни кўлига олиб, нима эзилганини билолмай, хуноб бўлиб турган эди.** С. Ахмад, Хукм. **Бўтабой куну бўйи бригададан-бригадага чопиб, иш устида бировдан хуноб бўлиб ва бировни хуноб қилиб, ҳориб-толиб кечкурун сельсоветга келди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Қозининг хуноби шикиб: — Тўхтаб турсин, қозини масҳара қилишни унга кўрсатиб қўяман, — дебди.** Г. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 кўчма Қийин, оғир, мушкул, сермашаққат, сердиққат. **Хуноб вазифа.** — Оламда зарарликдек хуноб иш бўлмас дердим, буларники яна сермашаққат экан. Ойбек, Навоий.

**ХУНОБА** [ф-т] айн. хуноб. **Хуноба қилмоқ.** — Узро низонинг дарду марази Тинкамиз қуритди, хуноба қилди, Талашган хонларнинг кеку гарази Етди юрт бошига, хароба қилди. Шайхзода. | **от вазифасида** Диққатни оширадиган, сердиққат иш. — **Албатта, асли хунобаси мана шунда.** — деди бош қимирлатиб Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ХУНОБАГАРЧИЛИК** айн. хунобгарчилик.

**ХУНОБГАРЧИЛИК** Хафагарчилик,

дилсийҳликни ифодалайдиган ҳолат; хуноблик.

**ХУНОБЛИК** хуноб с. белги оти. **Зумрад кўзларининг нуруни тўка-тўка кўп хуноблик билан иш тикарди.** Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУНОЛУД** [ф-т] эск. кт. Қонга беланган. **Хунолуд либос.** — **Хунолуд куюқ қошлари остидаги ярим очик кўзлари кимнидир излагандек қарайди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХУНРЕЗ** [ф-т] 1 Қон тўкувчи; жаллод.

2 Қонхўр, бераҳм.

**ХУНРЕЗЛИК** Қонли тўқнашув; қирғинлик, қирғин. «Не воқеа бўлди?» деб сўради [Арслонкул]. — «Бир лаҳза хунрезлик бўлди», — жавоб берди қарамасдан у. Ойбек, Навоий. **Утзор шаҳри бунёд бўлгандан бери бундай қирғин, бундай хунрезлик, зўравонликни кўрмага эди.** М. Осим, Утзор. **Шу учрашув шарофати билан хунрезликларга барҳам берилди, қўшинлар ўз марраларига қайтдилар.** М. Яхёев, Тинчлик шаҳри достони.

**ХУНУК** [ф-т] 1 Кўринишдан кишини ўзига жалб қилмайдиган; кўрimsиз, совуқ. **Хунук одам.** **Хунук хат.** **Яхши хунук либос билан ҳам яхши.** Мақол. — **Йигит отини тут ёғиша боғлаб, уйга томон юрган ҳам эди, бурчадаги уйдан .. накана хотин .. хунук қиёфада йигитга қараб югуриб кела ботилади.** А. Қодирий, Утган кунлар. || **Воҳ-еуй, қишлоғимиз шунақа хароб, шунақа хунукми!** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўчма Кўнгилга ҳуш келмайдиган, ёқмайдиған, ёқимсиз; кишини нафрат кўзгатадиган, жирканч. **Бечора хотиннинг инсонлик қадрү кийимини ерга урадиган ниҳоятда хунук иди бу.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. || **Вой, илм, увол эмасми, неса ишлаганди?** **Ҳозирги замонда сизқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади-а!** А. Қаҳҳор, Оғрик тиллар. | **Ёмон, кўнгилисиз.** **Хунук кўлар.**

— **Энди у [Сулду] эл тирикчилишини хунук фожияларига кўйиккан .. эди.** А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. — **Энг хавфли жойдан ўтиб олдик, сув ичида бекордан-бекорга ўлиб кетишимиз ҳам хунук нарса борки, — деди Аҳмедов, ёнидаги шерикларига.** А. Раҳмат, Турғун Аҳмедовнинг унутмас баҳодирлиги. | **Айб саналадиган; уятли, шармандали.** **Раҳматилла Обидий ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасан жиб-жуда хунук бир шаҳвоний жиноят қилиб кўйиб беши йилга кесилиб кетди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || [Хусайн:] **Пешчилар бошида меймор Жалолдин турган эмиш.** [Маждиддин:] **Яқин ёғтингиз, хунук бўлибди.** Уйғун ва И. Султон, Навоий.

3 кўчма Қулоққа ёқмайдиған, ёқимсиз эшитиладиган. **Хунук товуи.**

— **Туну билан бўлган ғазабни бўқиринилар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай улаб йўғлашлар тинди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Мингбоши бир қадам**



олдинга юрди, қўлидаги қамчинни ўқталиб, хунук овоз билан ўқирди. М. Исмонилӣ, Фарғона т. о.

**ХУНУКЛАШМОҚ** Қўриниш ёқимсиз, кўримсиз бўлиб қолмоқ; чиройини йўқотмоқ. У касалликдан кейин анча хунуклашиб қолди.

**ХУНУКЛИК** хунук с. белги оти. Биласизми, хунукликда ягона қиз ҳам етилган вақтда йигитнинг диққатини жалб қиладиган бўлади. А. Қаххор, Сароб.

**ХУНХОР** айн. хунхўр. Эзилган халқ эдик, хунхору золимлар қўл остида, Элимни қилди Октябрь билан олий мақом иқбол. Ҳабибий.

**ХУНХЎР** [ф-т] кт. Қонхўр, қотил; золим. Дод этарман хунхўр жсалод золимдан, — Эмакдошим хабар олгин ҳолимдан! «Ширин билан Шакар».

**ХУНХЎРЛИК** хунхўр с. белги оти. Уйиниш орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ХУРАЛ** [мўғ] Монғолия Халқ Республикасида олий ҳокимият органларининг номи. Улуғ халқ хурали.

**ХУРЖУН** [ф-т] Эгар устига ёки елкага ошириб ташланадиган, юк солинадиган икки кўзли қоп, кўш халта. Жун хуржун. Ип хуржун. — Унинг [Шербекнинг] олдида эски хуржун ётибди. Хуржуннинг бир кўзида туғун, бир кўзида ўраб тикилган жун қоплар. С. Анорбоев, Оқсой. Жўрабой ота хансираб келиб, елкасидаги хуржунини ерга қўйди-да, командир йишитга тушунтира кетди. Ҳ. Ғулум, Машъал.

◆ **Иш хуржун** иш ёмон ахволда, иш-кал, чатоқ; на у ёқли, на бу ёқли. Иш хуржун бўлди. Ишни хуржун қилмоқ. — Заводда сифат масаласи иш хуржун: технология талаблари яхши бажарилмаётир. Н. Ёқубов, Сув излаб.

**ХУРЖУНЛАШМОҚ** Ора йўлда қолмоқ; ёмонлашмоқ, чатоқлашмоқ. Цехлардаги бригадаларо ижтимоий мусобақа ишлари хуржунлашиб, сийсӣ тўғарак, техминимум ўйиш деган гап ҳеч кимнинг эсига келмай қолди. «Муштум», 1952, 12 декабрь.

**ХУРЖУНЛАШТИРМОҚ** хуржунлашмоқ фл. орт. н. Ишларни хуржунлаштириб юбормоқ.

**ХУРИЛЛАМОҚ** «Хур-хур» этган овоз чиқармоқ. Хуриллаб ухламоқ. — Кўрпачада хурпайиб ётган мушук унинг [хотинининг] қатим тортаётган қўлларига қараб хуриллайди, галтак ипни олиб қошига пайт пойлайди. С. Аҳмад, Уфк.

**ХУРИЛЛАШМОҚ** хурилламоқ фл. бирг. н. Болалар хуриллашиб ухларди.

**ХУРМА** Қатиқ йиштиш учун ишлатиладиган сопол идиш; қўшқулоқ. Фотиҳадан кейин Офтоб ойим товоқни хурмага, хурмани товоққа уриштириб кўвега қатиқ олиб чиқди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ХУРМАЧА** 1 Кичик хурма. Бир хурмача қатиқ.

2 кўча с. т. Қорин, ошқозон. — Тўхта, тўхта, эй нонкўр. Хурмачанга лойиғини ич-да, ўз обрўсини билмаган гўл, — деди Эргаш Олимга. Б. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш.

◆ **Хурмачаси оқармаган айн. косаси оқармаган қ. оқармоқ. Хурмача қилиқ** ёмон, бемаъни, совуқ қилиқ; хунук одат. Дадамнинг нули кўпайиб, бир йилдан буён хурмача қилиқ чиқариб қолдилар. «Муштум», 1961, № 3. **Хурмачанинг тагини ялаганиднинг** тўйи кунни қор ёки ёмғир ёққан йигит ёки қизга нисбатан ҳазил тариқасида айтиладиган гап. **Чурук паранжи** ёпинган бир хотин узоқдан шангиллаб келаверди: «Қор ҳам қурсин, қафшим ҳам қурсин, Нуриол, хурмачанинг тагини хўп ялаган экансиз-да!» Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХУРМАҚОВОҚ** диал. Ойимқовоқ.

**ХУРМО** [ф-т] 1 Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, поя танаси йирик патсимон барглardan иборат жийдага ўхшаш ширин мевали дарaxт.

2 Шу ўсимликнинг ширин, жийдасимон меваси.

**ХУРМОЗОР** [ф-т] Хурмо дарaxтлари экилган ер, майдон.

**ХУРМОЙИ** [ф-т] 1 Ранги хурмо меваси рангига ўхшаган; қизғиш-тўқ сариқ. Хурмойи ҳовоқ. Хурмойи соқол.

2 Ўзбекистондаги ўрик навларидан бири.

**ХУРОФИЙ** [а] Хурофотга оид, хурофотга асосланган. **Хурофий урф-одатлар.** — Хурофий, диний маросимлар руҳонийларнинг энг даромадли манбаидир. Қ. Ниёзий, Онг ва тарбия. Илмий дунёқараш эса, ҳамма соҳадаги каби, тарбия соҳасида ҳам ҳар қандай эски, хурофий тўйсикларни енгиб ўтади. Н. Мақсудов, Мактаб ва оила.

**ХУРОФОТ** [а] Худуга, динга, диний эътиқодларга берилиш, дев, пари каби гайритабиий кучларга ишонини ва сифиниш туфайли юзага келган урф-одатлар; ирим. **Муҳаммад Жамол марксизмнинг алифбесидан бошлаб, дўстининг онгидаги хурофотлар булутини тарқатишига тиришди.** Ойбек, Нур қидириб. | Умуман эскилик, эски урф-одатлар. Бу ерларда хотин олиши ҳали қийинроқ, чунки ҳали бу ерда хурофотга берилган кишилар кўп. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУРОФОТФУРУШ** [а+ф-т] кам қўлл. Хурофотни тарғиб қиладиган, хурофотни восита қилиб кун кўрадиган. Революциядан кейин хурофотфуруши бу хонадон тезда қуриб, тўзғиб кетди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ХУРОФОТЧИ** Хурофотга берилган одам. — «Одамнинг ёши ўтиб, тили қотиб қолгандан кейин ўқий олмайдми» деган гапга ишониб юрар эдик. Хурофотчилардан чиққан гап экан бу, — деди Юсвали тоға. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУРРАҚ** Уйқуда нафас олганда чиқадиган хириллаган товуш. Блиндаждаги жимликни кимнидир хурраги

бузарди. М. Муҳамедов, Кичик гарнизон. **Хуррак отмоқ** (ёки **тортмоқ**) уйқу вақтида томоқдан хириллаган овоз чиқармоқ. Тахминан кечаси соат 3—4лар эди. Соқчининг хуррак отгани эшитилди. М. Мирҳодиев, Унутилмас лавҳалар. **Разведкачилар уйга кириб келишлари билан хуррак тортиб ухлайётган иккинчи гитлерчини ҳам кўрдилар.** З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ХУРРАҚЧИ** Хуррак отиб ухлайдиган киши. **Хурракни эмас, хурракчини отаман.** Шундоқ ёқасидан ушлайман-у, деразадан отвораман. А. Мухтор, Туғилиш.

**ХУРРАМ** [ф-т] 1 Шод, хурсанд, хушчақчақ. **Хуррам ҳаёт** кечирмоқдамиз. — **Завод кўчасидан рус оилалари келмоқда.** Ишчилар шахдам, хотин, бола-чақалари хуррам — халқ революцияси ғалаба қилган. Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Бир дастада икки гўл: келин-кўёв, Иккиси ҳам хуррам, дилларда олов.** М. Алавия. **Бўл омон мангу жаҳонда сен улғур рус меҳрибон, Бизга бахш этдинг овоз ҳаёт, хуррам замон.** А. Пўлат.

2 Хуррам (эркаклар исми).

**ХУРРАМЛИК** хуррам 1 с. белги оти. **Бу шоду хуррамликни туғдирган яна ўша сув эди. Сув, албатта, сув!** М. Исмонилӣ, Фарғона т. о. **Лекин ерда да кўкда мен томошага чиққан вақтимдаги латофат, хуррамликдан асар қолмаган эди.** Айний, Эсдаликлар.

**ХУРСАНД** [ф-т] 1 Ҳаётдан жуда мамнун, кайфияти жуда яхши; шод, хуррам; хушчақчақ. **Болалар арча байрамидан уйларига хурсанд бўлиб қайтдилар.** — [Бондарни] қачон кўрсанг таралабедод, хурсанд, хушчақчақ, Шухрат, Шинелай йиллар. Баҳри жўнар тонг билан туриб, хурсанд бўлиб шу ширин дамга, Баҳрини узатар қолхозчи Тошкентдаги катта байрамга. Ҳ. Олимжон.

2 Бирор нарсдан қаноат ҳосил қилган; мамнун, рози, миннатдор. **Қудрат эса отдан қутулганига ич-ичидан хурсанд.** Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — **Ашир акам сиздан жуда хурсанд, — жувон миннатдорчилик билан жилмайди, — Турганида ҳам, ётганида ҳам дуо қилади.** С. Анорбоев, Оқсой. — **Жамоадан хурсандмиз, — Мавлон ака ўйчан кўзларини ердан олмай гапирди.** Ҳ. Ғулум, Машъал. **Бу ерда сувчи этиб тайинланган, у ўз ҳамқишлоқларини хурсанд қилди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Хурсанд (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ХУРСАНДЛИК** хурсанд 1, 2 с. белги оти. **Адолат чой дамлаб чиқиб кетди. Эр-хотин унинг хурсандлигига қувонишиб, кетидан жилмайиб қараб қолишди.** С. Зуннунова, Гулхан.

**ХУРСАНДЧИЛИК** 1 Вақтин хурсанд, шод, ўйин-кулги билан ўтказиш; вақти чоғлик. **Кичик гулзорли майдонда бир тўда жангчилар давра қуриб, хурсандчилик қилардилар.** Ойбек, Қуёш қо-



раймас, Ўзбекларда агар жуда катта хурсандчилик тилайдиган бўлсалар, «тўй устига тўй бўлсин!» дейишади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Хурсандлик, шодлик. Ўзига младший сержант унвони берилганлигини Нормат биринчи марта инжениер капитандан эшитди ва хурсандчилигини яширолмай илжайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХУРУЖ** [а] 1 Тўсатдан хужум қилиш; хужум. Давлатимизнинг мудофаа қудрати ҳар қандай агрессорларнинг хуружини ўша ондаёқ парчалаб ташлаш .. имкониятини беради. Ф. Норхўжаев, Тинчлик посбонлари. Қулоқлар хуруж қилганда, уларга қарши қурол кўтарганлар орасида Горкунов ҳам бор эди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Исён, қўзғолон, қуролли қаршилик. Хуружга бошчилик қилган уста Маҳмуд бошқа қшилоқларга ҳам одамларни юбориб, уларни қуролланишга, босқоқларга икки пул ҳам бермасликка даъват этди. М. Осим, Махмуд Торобий. — Энди,— деди Ўрмон полвон,— очикдан-очик хуруж қилмоқ керак. Негаки, мамлакат биз томонга ўтди. Айний, Қуллар.

2 кўчма Иссиқ, совуқ, шамол, ёмғир, ўт, сув каби табиат кучларининг инсон иродасига нисбатан қаршилиги, ҳамласи; авжига чиқиши, кучайиши. На баҳор инжиқликлари, на гармсел хуружи, на сув танқислиги уларнинг [пахтакорларнинг] иродасини енга олмади. Ж. Жабборов, Ойдин йўллар. Ташқарида қишининг сўнги хуружи ҳукм сурмоқда. В. Абдуллаев, Қанотли орзулар. Енгиб табиатнинг ўжар хуружини, Фарзандлар ўташар мардлик бурчини. А. Пўлат. **Хуруж қилмоқ** 1) авжига чиқмоқ, кучаймоқ (совуқ, иссиқ, шамол, ёмғир каби табиий кучлар ҳақида). Бу сафарги сел унча хуруж қилолмас. Утган йили ариқлар яшишлаб тозаланди, иккита қўшимча канал қазилди, сув тақсимлаш системаси яшиланди. И. Раҳим, Ихлос; 2) с. т. бирор салбий нарсага берилиб кетмоқ, ружу қилмоқ. Ашир, хотини Хўжабековга тегиб кетгандан кейин, ичкиликка хуруж қилди. С. Анорбоев, Оқсой; 3) тутмоқ, бошламоқ (иситма, безгак каби касаллик ҳақида). Иситма хуруж қилиб, [Башорат холининг] ҳамма ёғи қақшаб оғриди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ХУРУШ** I [ф-т] 1 Бирор иш ёки жараённинг юзага келиши, тезлашуви учун ёрдам берадиган восита. Терини пардозлашда шийатиладиган хуруш. Пайвандлаш хуруши.

2 Овқатга қўшиб истеъмол қилинадиган, унга маза, там берадиган ошқўк, зирavor, доривор каби воситалар. Мараҳим унинг қўлидан тарелкани олиб «Хурушини бизга қўйиб берасиз»,— деб қўйди ва Холиқнинг пичоғини олиб закуска тайёрлай бошлади. Ш. Ризо, Кўр ёғди, излар босилди.

**ХУРУШ** II с. т. Хуруж.

**ХУРУШЛАМОҚ** Химиявий усул билан ишлов бермоқ, пардозламоқ. Металларни хурушламоқ.

**ХУР-ХУР** тақл. с. Хуррак товуши ҳақида. Соқи бобо пўстинининг бир енгига бошини тўқиб, бир енгига икки оёғини суқиб, хур-хур этиб, хуррак тортиб ухлаб ётибди. «Хушкелди».

**ХУРШИД** [ф-т] 1 Ёритиб турувчи нарса; қуёш, ёруғлик, машғал. Оламнинг хуришиди кундир, одамнинг хуришиди илм. Ҳамза.

2 Хуришди (эркаklar исми).

**ХУСУМАТ** [а] Бировга нисбатан бўлган кек, адоват; қасд; душманлик. Шоимақулнинг бўйни эгилди. Шундай бўлса ҳам ўз ичиде Содиққа қарши хусумат сақлаб юрмоқда. Айний, Қуллар. [Соҳиб Дор] бу йигитлар билан найчининг орасида хусумат борлигини айтди. Ойбек, Навоий.

**ХУСУМАТЛИ** Хусумат белгиси ифодаланган; адоватли. У [Мажиддин] ўғлининг елкасидан қўлини секин тушира туриб, чодир томон хусуматли назар ташлайди-да, отга минмоқчи бўлади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**ХУСУС** [а] 1 Мухокамага сабаб бўлган ёки кўзда тутилган масала, мавзу. Майли ҳар ким айтсин ўз фалсафасин .. Уни мот қиларман мен бу хусусда! О. Ҳақимов. Юсуфбек ҳожининг қандай одам экани айниқса Акрам ҳожига англашилди, бу тўғрида ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Шарт шу:** Бундан кейин ҳар хусусда мен билан яқтан бўлиб ишланганга, .. дурустми? Ойбек, Қутғуғ қон.

2 3-ш. эгаллик ва ў-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. хусусида).

**ХУСУСАН** [а] рвш Бошқаларидан кўра; айниқса. Хусусан, бундай юмушлар хизматкорларга буюрилса, бу ҳеч қандай таажжурбанарлик ҳол ҳисобланмайди. Ойбек, Қутлуг қон. Шодиев кетди, Сафаров секретарнинг бу келиб кетишидан, хусусан унинг сўзларидан, қаттиқ норози бўлса ҳам .. ўзининг қайфиятини уларга билдирмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХУСУСИДА** кўм. вазифасида Тўғрисида, ҳақида. — Пилла хусусида тил қисқиқлик жойим йўқ. Планни бир юз йн бир процент қилиб қўйганман,— деди раис. С. Аҳмад, Ҳодивой.

**ХУСУСИЙ** [а] 1 Бирор шахснинг ёлғиз ўзига қарашли, тегишли бўлган; шахсий. Хусусий мулк. Хусусий капитал. — Революцияга қадар, мен ҳатто баъзи кишиларда хусусий врач бўлиб ҳам ишлаганман,— деди кўзойнакли киши. Ё. Ҳанмов, М. Раҳмон, Ҳаё-мамонт. | Ҳар бир шахснинг ўзи бошқарадиган, ўзи фойдаланадиган. ЎзССРда .. қонун яқка деҳқонларнинг ўзи меҳнат қиладиган .. майда хусусий хўжаликка ҳам йўл қўяди. «ЎзССР Конституцияси».

2 Айрим шахслар томонидан яқка тартибда амалга ошириладиган; шах-

сий. Унинг хусусий режалари бор эди. — Мажлисларда, хусусий суҳбатларда қоридан сўз очган ҳар бир киши «Қани-зак билан Сидиқжон можаросини айтмасдан қўймас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Асосий ишга алоқаси йўқ. Кундузлари ўрда девонини бошқарши, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Муайян бир нарса ёки мавзуга бағишланган; айрим бир нарса ёки мавзунинг ўз ичига оладиган. Хусусий ва умумий масалалар.

**ХУСУСИЯТ** [а] Бирор нарса ёки кимсанинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони, ўзига хос белгиси; специфика. Характерли хусусият. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари. — Ленин тағлимотича, партиявийлик, коммунизм учун курашга хизмат этиши яъни социалистик адабиётнинг асосий хусусияти бўлмоғи лозим. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки». Мен биринчи навбатда тарбияни улардан [ота-онадан] олганман ва уларнинг хислат ва хусусиятлари шубҳасиз менга таъсир қилган. Айний, Эсдаликлар.

**ХУТБА** [а] 1 дин. Жума ва хайит (яъни ийд) кунларида масжид имомининг суннатдан кейинги (фарздан олдинги) ваъзхонлиги; диний панднасихат. Намоздан кейин семиз ва такабур Бўрихон ҳазрат зион минбарга чиқиб, хутба бошлади. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. [Навоий:] Мен шахзода Бадиуззамона урушининг фалокатини, осойишталик ва адолатнинг маъносини англадим. Зийрак фарзандингиз шу кунни хутбага номингизни қўшиб ўқитдирди. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 Никоҳ вақтида ўқиладиган дуо. Домла ер остидан паранжи тағида жилланглаб турган шўх аёлга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди. Ғайратий, Ҳалала. «Афанди, шайтоннинг хотинининг оти нима?» — деб сўради имом. — «Никоҳ кунни сиз хутба ўқиган экансиз-ку, билмайсизми?» «Латифалар».

**ХУТОР** [р] 1 Россияда алоҳида ажратилган уй, қўрғон ва экин экиладиган ери бўлган деҳқон хўжалиги. Хуторлардан воз кечиб, яғни, шинам, ёруғ уйларга кўчиб ўтаётган оилаларни областнинг бошқа районларида ҳам учратиши мумкин. «С. Ўзбекистони», 1966, 2 декабрь.

2 Кубань, Украина ва Ўрта Осиёда икки-уч хўжаликдан иборат қишлоқча. Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида майда посёлкалар ва хуторлар ҳали ҳам кўп. «С. Ўзбекистони», 1964, 6 июнь.

**ХУФИЁНА** [а+ф-т] рвш Бошқаларга билдирмасдан; яширин равишда; яширинча. Хуфиёна учрашмоқ. — Абдурахмон бузуқ савдогарваччаларга ара-

лашиб, амакидан хуфиёна айш-ишратга берилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ХУФИЯ** [а] 1 Бошқаларга билдирмайдиган, сир тутиладиган; яширин, махфий. *Хуфия маслаҳат. Хуфия иш. Хуфия гандан ошқора шопалоқ яшиш. Мақол.* — У баъзи бир хуфия топшириқлар олиб турарди. Н. Фозилов, Оқим. [Толипов] дин ниқобига бурканиб олиб, ўз хунарини ишга солди-да, хуфия йўллар билан киши билмас даромадни шарақ-шарақ санаб, ҳамёнга урди. М. Абдуллаев, Текин томоқ фирибгарлари.

2 Билдирмасдан бузуқчилик қилувчи; яширин равишда фоҳишалик қилувчи. [Мастура:] Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабачалари чиқди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ХУФИЯКИ** [а+ф-т] айн. хуфиёна. *Рўза ойи келиши билан Саид Бурхон маҳзун кундуз кунлари қоронғи ҳужрага кириб, .. хуфияки майхўрлик қилиб, дам олиб ётар .. эди. Ғайратий, Махзум қочди.*

**ХУФТОН** [ф-т] 1 дин. Қуёш ботгандан бир-икки соат ўтгач ўқиладиган энг кейинги, кечки намоз. *Хуфтон ўқилиб, аллақачон қоронғи тушган, лекин кўчаларда ҳали якка-дуқка одам оёғи тийилмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хуфтон намози айн. хуфтон 1. Хуфтон намозининг ўқилганига хийла вақт бўлган, қорли тоғлардан тунги салқин шабада эсмоқда. Ш. Тошмавов, Эрк қуши.*

2 Қуёш ботганидан бир-икки соат кейинги вақт; тахминан кеч соат ўн-ўн бирлар. — Мен боғдан чиққанда хуфтон бўлмаса ҳам шунга яқинлашиб қолган эди.. — деди Усар ака. А. Қодирий, Жинлар базми. Улар кечки пайтда йўлга чиқиб, хуфтонда қишлоққа етиб келдилар. П. Турсун, Уқитувчи. **Икки (уч ёки етти) хуфтонгача** алламаҳалгача, аллавақтгача. — Шеркатнинг ғалваси билан бўшаёлмадим. Узингиз, биласиз, .. кеча идорада икки хуфтонгача ўтирдик .. — деди Зия. Ш. Ризо, Қор ёғди, нзлар босилди. **Ақаси тушмагур** ўлгунча бепарво, .. етти хуфтонгача сақиллаб юрса, ён-берида қўни-қўшини бўлмаса. Ф. Фулом, Соялар.

◆ **Дили (ёки кўнгли, таъби) хуфтон** кўнгли ғаш; хафа. Колхозчилар бригадирнинг дили хуфтон эканлигини аллақачон сезган эдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кўнглим бирдан хуфтон бўлиб, севгимни ҳақоратлагандек сездим.** М. Қориев, Ойдин кечалар.

**ХУШ** [ф-т] 1 Яхши, маъқул, дуруст. *Таржимон тилиннинг лол ўлгани хуш — Хуррият мазмунини ангай олмасанг. Ф. Фулом. Сидиқжон, бир томондан, Ўрмонжонга қандай рўпара бўлишини ва гапни нимадан бошлашини билмай юраги пўкиллаб, иккинчи томондан, унинг хуш қабул қилиши умиди билан энтиқиб кутар эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Хуш кўрмоқ* яхши кўрмоқ, ёқтирмоқ; маъқул деб билмоқ. — Мул-

ла акам қизил шафтолини жуда хуш кўрар эканлар! Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

2 Ёқимли; майин. *Хуш иқлим.* — Отаулланинг кўз олдидан ҳам узоқ Хоразмнинг кишининг бахрини очувчи хуш ҳавоси ўтди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. Баҳор оқимининг дилларни қитиқловчи шабадаси гулларни елиб, киши димоғига маст қилувчи хуш ҳид урар. Туйғун, Дўстлик севинчлари. **Хуш ёқмоқ** 1) ёқимли таъбир этмоқ, хузур-халоват бермоқ. *Жувоннинг бу ҳаракати Сидиқжонга жуда хуш ёқди, ичиди «бор экансан-ку», деб қўйди-да, уни бошдан оёқ кўзатиб чиқди. А. Қаххор, Қўшчинор; 2) маъқул тушмоқ, кўнглидагидек бўлмоқ. Бунақа шарт эллиқбошига албатта хуш ёқади-да! Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олпти. А. Қаххор, Қўшчинор. Хуш келмоқ* маъқул тушмоқ, ёқмоқ. *Бу гаплар, албатта худода хуш келмай юрар эди. А. Қаххор, Қабрдан товуш.*

3 Ярашиб турадиган; келишган. *Иккинчи томонда эса Абдуракул ўтирар ва хуш мўйловини бураб қўяр эди. П. Турсун, Уқитувчи. Очiq эркан хуш ниқобинг кўзларинг қилди асир. Ҳамза.*

4 Майл, иштиёқ, хоҳиш. *Саёҳатга хушинг борми? Овқатга хушим йўқ. Менинг бу йигитга сира хушим йўқ.* — Э, зolimлар, сенинг кимга ишинг бор, Ким билан гаплашмоққа хушинг бор? «Эрали ва Шерали».

◆ **Вақти (ёки кўнгли) хуш** кайфи чоғ, хурсанд. *Бузуғи ишдан .. вақти хуш бўлган Бўтабой аллақандай шўх бир кўйни хиргойи қилиб борар эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Нима бўлса ҳам, шунча ғалати гапларни ўз қўлуги билан зийтганига [Элмуроднинг] кўнгли хуш эди. П. Турсун, Уқитувчи. Хуш энди хайрлашув вақтида айтиладиган ибора. Мен кетарман, эна, Аймоқ юртига, Оқ сўт берган меҳрибоним, хуш энди! «Ёдгор». Хуш келибсиз ёки хуш келдингиз! меҳмонни кутиб олиш пайтида хурмат юзасидан айтиладиган ибора. Мадамнинг хўжда ўтирган еридан хиёла кўзгалди-ю, қўл қовуштирди: — Хуш келибсизлар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хуш кўрдик айн. хуш келибсиз. — Йўқлаб келганларинг учун раҳмат. — Хуш кўрдик, — деди Абдулманнон ота меҳмонларга. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи. Хушин тутса айн. хушига келса. Унинг [Ирисалининг] одати ҳам ўзгача: .. мақтаса — қовоқ солади, хуши тутса ундан ўзар одам йўқ. И. Раҳим, Ҳилола. Хуш қолинг хайрлашув вақтида кетувчи қолувчига айтадиган ибора; хайр. Эдан бирга келган эрлар, Азаматлар, наъра шерлар, Бизни ҳам Эрали дерлар, Бегу хонлар, хуш қол энди. «Эрали ва Шерали». Хушига келса хоҳласа, ёқтирса. Хушига келса, бир-икки оғиз гапирди. Хушинга келса, шу, бўлмаса — билганингни қил.*

**ХУШАТВОР** [ф-т+а] эск. кт. Хуш-феъл, яхши ахлоқли, яхши хулқли. *Бердилар таълим менга, мен билмаган ҳар кордин, Илму одобу хунар, фаҳм этмаган асордин, Хушсуханлик, хуш-каломлик ҳамда хушхотордин, Ҳеч бири бахтимга ёри бермади, нолон бошим. Мутриба.*

**ХУШАХЛОҚ** [ф-т+а] кт. Яхши ахлоқли, яхши хулқли, одобли. *Хуш-хулқ, хушахлоқ, .. тўғри сўз Маҳаммадкарим чинакам ботири, шижоатли, душманларга нисбатан раҳмсиз, шафқатсиз киши эди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.*

**ХУШБАХТ** [ф-т] кт. Бахтли, саодатли. *Хушбахт йигит.* — У нимага бунчалик хушбахт ва нимадан бу қадар хушбахт эканлиги тўғрисида ўйла-мас. А. Қаххор, Қўшчинор. Шу ёқим-ли ҳис билан хушбахт. Энди унга тондан кун ботгунча курсантлар билан машғулот ўтказиш керак. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХУШБАХТЛИК** хушбахт с. белги оти. *Сўнгра, унга куч-қувват, ғайрат берган нарсани унинг оилавий хушбахт-лиги, деган мазмунда гапириб, .. Урмонжонни Урмонжон қилаётган унинг хотини, деган хулоса чиқаради. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**ХУШБАХРА** [ф-т] кт. Кишининг бахри-дилини очадиган; хушхаво. *Хур Ватан, хушбахра ўлкамга қувонсам арзигаёй, Бор улуг компартиям, ҳар ишда раҳбардир менга. С. Абдулла. Ранг-баранг боғу чаманга фйёзу зийнатлар бериб, Хушхаво, хушбахра, обод айлаган дунёни сув. Ҳабибий.*

**ХУШБАХРАЛИК** хушбахра с. белги оти. *Урқизорга қараб турган, дид билан бино қилинган .. эски айвон озодалиги, хушбахралиги билан меҳмонлар диққатини жалб қилди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

**ХУШБИЧИМ** 1 Яхши тикилган; кийганда ярашадиган, бичими яхши (кийимлар ҳақида). *Хушбичим дўппи. Хушбичим костюм.* — Шкафнинг биринчи хонасида Татъянанинг хушбичим кўйлаклари турарди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Бўйи-баста келишган, қадди-қомати чиройли. *Хушбичим йигит.* — Бу орада шаҳар томондан қиқиб келган навбатдаги автобус уч-тўрт эркак ва аёл билан бирга хушбичимгина бир қизни ҳам тушириб кетди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. [Башират хола] ҳеч қачон ўғлини ҳозиргидек хушбичим, сарв қомат ва жиддий қиёфада кўрмаган эди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

3 Ташқи қиёфаси, тузилиши, кўрнини чиройли, келинган. *Хушбичим иморат.* — Жувон хушбичим бурунчасини жийириб, жонди чинни товуши билан жаранглаб кулди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Теракзорлар хушбичим, Боғларда ҳаммаёқ жим. Шайхзода.

**ХУШБИЧИМЛИК** хушбичим с. белги оти.

**ХУШБЎЙ** [ф-т] Ёқимли хид тарадиган; яхши хидли, муаттар. *Хушбўй гул. Хушбўй олма.* — Июнь оқишомининг хушбўй шомоли эсар, ҳамма ёқ жимжит, атрофдаги қалин ўрмонгина шивирлар эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. [Ғози] етилган қовунларнинг хушбўй исси, хушчақчақ таниш овозлар келверган, чидаб туролмади. И. Раҳим, Ихлос. *Боғма-боғ ошиб эсатган шамол димоққа аллақандай хушбўй исларни олиб келади.* С. Аҳмад, Хукм.

**ХУШВАҚТ** [ф-т+а] Вақти чоғ, хурсанд, шод. *Мунисхон ўзини хушвақт қилиб кўрсатишга тиришиди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Золим бойнинг ерин олиб, Ерсизларга берди бўлиб; Йиғлаганни хушвақт қилиб Учин олиб берди Шўро.* Эргаш шоир. || *Ўғлимни эркаладим: — Қирғийим, той керакми? Алишер дерди хушвақт, Қитоб керак, адажон!* С. Акбарий.

**ХУШВАҚТЛИК** хушвақт с. белги оти. [Шариф:] *Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар.* [Хамма:] *Хушвақтлик бўлсин.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

**ХУШГАП** [ф-т] Ширин сўз; хушмуомала. *Хушгап одам.* ■ [Меҳмонларнинг] баъзилари адабиётдан хабарсиз бўлсалар ҳам, хушгап, хушчақчақ ва аскиячи эдилар. Айний, Эсдалиқлар. *Ошқ чехра, диловар, марду хушгап, Қўзи ўйнаб турар кулганда сўзлаб.* Ҳабибий.

**ХУШДИЛ** [ф-т] кам қўл. Очиқ кўнгли, ёқимли. *Вагонда қолаётган солдатлар оқ кўнгли, хушчақчақ ва хушдил улфатидан ажралиб қолаётганларига ачинардилар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ХУШЁҚМАС** Ишга бўйни ёр бермайдиган; дангаса, ишёқмас. *Хушёқмас одам.* || — *Бригаддан чиқариб юборман, менга хушёқмас, дангаса керак эмас,— деди [бригадир].* Ғ. Ғулом, Тирилгай мурда. *Афсуски, орамизда шундай хошимлар ҳам борки, улар жуда кўп гапирдилар-у, лекин кам иш қиладилар, .. фақат хушёқмасларгина ана шундай қилиши мумкин.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 146.

**ХУШЁҚМАСЛИК** хушёқмас с. мавҳ. от. *Хушёқмаслик билан ишламоқ.* ■ *Амалдорлар ўзaro гап сотиб вазифаларини хушёқмаслик билан бажарардилар.* Ойбек, Навоий.

**ХУШИЧИМ** Яхши ичиладиган, ютуми яхши, ичишли. — [Мусаллас] *жуда хушичим, кайфи ҳам нозик .. — деди кампир Зумрадга.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУШКАЙФ** [ф-т+а] 1 Хурсанд, ўйнаган-кулган, хушчақчақ. *У жуда хушқайф эди.* ■ *Хушқайф бир гуруҳ тор кўчадан чиқиб, мадраса орқасида ғойиб бўлди.* Ойбек, Навоий.

2 айн. ширақайф.

**ХУШКИ** [ф-т] Ҳаммомдан чиққанда бадан артиладиган катта сочиқ.

**ХУШЛАМОҚ** Ёқтирмақ, суймоқ, яхши кўрмақ. *Кулуши одам ҳам шу ерда эдилар. .. Лағмонни унча хушламас*

*эканлар шеклли, яхши емадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Камтар одам ўз фазилатлари, хизматлари ҳақида гапирмайди, мақтанмайди ва мақтанганини хушламайди.* Ю. Султонов, Камтарга камол, манманга завол.

◆ **Кўнглини (ёки вақтини) хушламоқ** бировни хурсанд қилмоқ, унга шодлик, вақтичлик бахш этмоқ. *Маданий-оқартув муассасалари ходимлари ҳам тез-тез ишйонларда бўлиб, дала қахрамонлари кўнглини хушламоқдалар.* «С. Ўзбекистон», 1965, 21 август. *Уч каниси бувисининг вақтини хушлаб, .. рўмолини бошига елвадай ташлаб чопишиб, .. бора солиб занжирни ушлади.* «Эрали ва Шерали».

**ХУШЛАНМОҚ** хушламоқ фл. ўзл. н. кам қўл. *Марғилонни қандай топдингиз, бек ака, хушландингизми, ё? .. Бу саволнинг жавобига Отабек иккилангандек ва ўнғайсизлангандек бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХУШЛАТМОҚ** хушламоқ фл. орт. н. **ХУШЛАШМОҚ** 1 хушламоқ фл. бирг. н.

2 фольк. Ёқимли сўз ва ҳаракатлар билан бир-бирларини хурсанд қилишга уринмоқ. *Мени кўриб кўйикдан у пастга тушиди, Парвона бўб, атрофимда хушлашди.* «Нигор ва Замон».

3 Бир-бирига «хуш келибсиз», «хуш қўлинг» дейишмоқ; хайр-хўшлашмоқ; хайрлашмоқ. *Чаққон дарвозадан буларни чиқариб, Соқи билан Авазни хушлашиб жўнатди.* «Бўтакўз». *Раъно баргиса кўйиб Шўхлик бошлашиб, Мен билан хушлашдилар Булбул, савъаси.* Ғайратий.

**ХУШЛУҚУМ** [ф-т+а] кам қўл. Ютуми яхши; хушичим; лаззатли. — *Во-ей, муздаккина-я, ажб хушлуқум, ютган сари роҳат қиялман,— дедди Унсин морожнийни ялаб.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУШМАНЗАРА** [ф-т+а] Кўриниши кишининг баҳри-дилнини очадиган; чиройли манзарага эга; кўркам. *Республикамизнинг хушманзара жойлари.*

■ *Қишлоқ тоғ оралиғида бўлишига қарамай, анча катта, обод, боғзор тоқзор ва жуда хушманзара экан.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Янги Ўрда, юқорида ёзганимиздек, ҳақиқатан шу-куҳлик, хушманзара бино қилинган эдики, унинг ҳозирги харобасидан ҳам кўрса бўлур.* А. Қодирий, Меҳрбанд чаён.

**ХУШМАНЗАРАЛИК** хушманзара с. белги оти. *Бу ишйон ўзининг хушқайф ва хушманзаралиги билан қишлоқда .. «Обид кетмоннинг ишйони», деб машҳур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ХУШМУЛОЗИМ** [ф-т+а] Кишини хурсанд қилишга тиришадиган; хушмуомала, хушфёъл, сермулозамат, сертавозе. *Хушмулозим йиғит.* ■ *Бу ерда хушмулозим мезонларимизнинг қабул маросимида кўп мамлакатларнинг вакиллари тўпланган.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 231.

**ХУШМУЛОЗИМАТ** [ф-т+а] айн. хушмулозим. *Хушмулозимат мезон.* **ХУШМУЛОЗИМАТЛИК** хушмулозимат с. белги оти. — *Мен дарвозага етар-етмас, миңбошининг ўзи чиқди: болани сўқиб, мени эса яна ҳам хушмулозиматлик билан қарши олди,— деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ХУШМУОМАЛА** [ф-т+а] 1 Муомаласи, гап-сўзлари, хатти-ҳаракати ёқимли; хушфёъл. *Хушмуомала аёл.* ■ *Умурзоқ ота .. кавак тола қоқилган миҳларга осигилқ қармоқларни олиб кўздан кечираркан, бу хушмуомала йиғитнинг .. сўзларини дилида такрорлаб, мийғида жилмайиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Доимо кулимсираб гапирадиган хушмуомала комиссар ҳозир дағал ва шиддатли кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 от вазифасида Одоб билан ёқимли муомала қилиш; хушфёъллик. *Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳрбанд чаён.

**ХУШМУОМАЛАЛИК** хушмуомала с. белги оти. *Хушмуомалалик билан мурожаат қилмоқ.* ■ *Анвар Мурод — хушмуомалалик ила меҳмонларни эшикка қадар жўнатиб, қўлларини сиқиб хайрлашди.* Ойбек, Нур қидриб.

**ХУШМУЙЛОВ** [ф-т] Мўйлови чиройли, мўйлови келинган. *Ҳали жар ёқасида туриб чақирган жонгичи — хушмўйлов йиғит тушиб келди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ана шу басавлат кишилардан бири хушмўйлов мўйловиди оқсоқлаб келиб, биз билан қадрдорларча саломлашди.* Ҳ. Назир, Хайкал.

**ХУШНАВО** [ф-т] Ёқимли куйлайдиган; куйлари, қўшиқлари кишига эвқ-шавқ бағишлайдиган. *Минг фарёдким, ўзбек поэзия гулистонида хандон ўрган хушнаво, булбул сайрашдан тўхтади.* Н. Сафаров, Мардлар. || *Ҳофизу сайанда — жамъи хушнаволарга салом.* Муқимий.

**ХУШНУД** [ф-т] кт. 1 Хурсанд, шод; мамнун. *Хушнуд қизлар.* *Хушнуд бўлмоқ.* *Хушнуд қилмоқ.* || *Василев безан кишининг хотини кўп илтифот кўрғазиб, [Зумрадди] ғоят хушнуд қарши олди.* Ойбек, Улуғ йўл. || — *Сизларга,— деди Охунбобоев Чўнжар ва Бекмурзаларга хушнуд жилмайиб,— кочкилик хунарини мана бу донбаслик Степан ва Велок оғаларингиз ўргатади.* И. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

2 Кишини хурсанд қиладиган; шодлик бахш этадиган. *Хушнуд хабар.* *Хушнуд воқеа.* ■ *У [совет кишиси] шу матбуот орқали партия сўзини эшиттади, ўз Ватанининг хушнуд янгиликларидан хабардор бўлади.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 19 ноябрь.

**ХУШНУДЛИК** хушнуд с. белги оти. [Валижоннинг] оқ юзида хушнудлик, вазмин қаровчи кўзларида севинч .. истиқболига чиққан кишилар олдига келиб, хушфёъллик билан сўғрашди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Рўзгорнин.

барча оғир-енгили Ҳабиба опанинг елкасида. .. Хаммаёқ саранжом-саршипта. Болалари, эрининг чеҳрасида ҳам хушнудлик. Э. Охунова, Элга содиқ аёл.

**ХУШОВОЗ** [ф-т] Овози ёқимли. Хушовоз ашулчи. — Салима .. ашулчиликда «кичик Ҳалимаҳон», деб ном чиқарган хушовоз қиз эди. Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Утиб санъатда Юсуф Андижони, Навоийнинг севиқли яккахони. Бўлиб ўз асрида ноҳир хушовоз, Фалакка айлаган овози парвоз. Ҳабнбий.

**ХУШОМАД** [ф-т] Бирор кишига тамағирлик билан хизмат қилиши, юзакни иззат-икром, мақташ ва ш. к.; хушомадгўйлик, лаганбардорлик. Хом кишини хушомад хароб этар. Мақол. — **Офицернинг ширин гаплари ҳаммаси хушомад**, Маргаританинг илинжидаги хушомад. Шухрат, Шинелли йиллар. Сўз ўрмонжон ҳақида кетаётганда, бу гапларнинг ҳаммаси хушомад деб қовоғини солиб ўтирган Тўпаниса, ўзи ҳақидаги мақтовга келганда оғзининг таноби қочди: — Мен нима қилибман? [деди]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Хушомад қилмоқ** 1) хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. — Бу менга қилаётган хушомади эди, — деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) мамнуният ифодаси сифатида «дўст», «барака топ», «қурбонингиз бўлай» каби иборалар билан кимсага қарата хитоб қилмоқ. Шўх йиғитлар ўйинчиеса хушомад қилар, қийқиришар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ХУШОМАДГЎЙ** [ф-т] Бировга хушомад қилувчи; лаганбардор. Хушомадгўй одам. — Афанди қозилликка сайланган кундан бошлаб, хушомадгўй кўпайиб кетди. «Латифалар». || Сизга бошқа одамлар тўққинлик қилди, бўлмаса бундай зиёнчилар, хушомадгўйларни уриб патини тўзатиб юборар эдингиз. А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

**ХУШОМАДГЎЙЛИК** хушомадгўй с. белги оти. Хушомадгўйлик қилмоқ. Хушомадгўйлик билан гапирмоқ. — Тожибой унга [Тўққиновга] қандай қилиб хушомадгўйлик кўрсатишини билмас, у ўтирса ўтирар, турса турар .. эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ХУШОМАДОМУЗ** [ф-т] рви Хушомад тариқасида, хушомад қилгандай; лаганбардорлик билан. Унинг [раиснинг] ранги оқариб, хушомадомуз жилмайди. С. Анорбоев, Мехр.

**ХУШОХАНГ** [ф-т] Оханги қулоққа ёқадиган, ёқимли. Хушоҳанг музика. Хушоҳанг қўшиқ. || [Тўланнинг] овози шеърларнинг музикасига қўйлиб, раво, хушоҳанг чиқди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ХУШРЎЙ** [ф-т] 1 Чиройли; гўзал. Хушрўй қиз. Хушрўй йиғит. — Уруш вақти. Декабрь оқшомларидан бирда хушрўйгина жувон Тошкентнинг собиқ эски шаҳари кўчаларидан шошиб боради. Ф. Ҳўжаев, Онадек меҳрибон. — **Ёвонамизда Жумагул отли бир қиз бор. Ундай хушрўйи йўқ** .. — деди тў-

ра Ашир маҳрамга. Ж. Шарипов, Хоразм. || [Чол] хушрўй ўсган дарахтларга эртадан кечгача у ёғидан, бу ёғидан ўтиб қарагани-қараган. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 286.

2 рви Очиқ чехра билан, самимий. Хушрўй қаршилаган ёшига, қорача келган, истараси иссиқ був хотин [Искандарога] челақда сув тутди. Ойбек, Нур қидириб. Саодат уларга одатдагидек қилиб, хушрўй жавоб қилиб ўтирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Хушрўй (хотин-қизлар исми). **ХУШРЎЙЛИК** хушрўй с. белги оти. Хушрўйлик, кўзларидоги нур, юракдаги эзулик, шўхлик, кўзлик ҳаммаси тотувликдан экан. Э. Охунова, Бахти кулганлар.

**ХУШСУРАТ** [ф-т+а] Кўриниши чиройли, қиёфаси келишган; кўркем, гўзал. Хушсурат одам. — Хушсурат бир йиғит рамкадоги бир жуфт байтае беихтиёр маҳлиё бўлиб, кўзига жиқ ёш олди. Ғайратий, Сабаби тириклик. Дом озода кийиниб, ўзига зеб бериб юрадиган .. бу кишининг хушсурат юзи ва силлиқ таралган сочларидан тортиб, ўрдакбурни, ғарч-ғурч эттигача — бутун қиёфасида салобатлик намоён эди. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

**ХУШСУХАН** [ф-т] Ёқимли сўзлайдиган, ширин сўз, суҳбати ширин. Хушсухан одам.

**ХУШСУХБАТ** [ф-т+а] Яхши суҳбат қурадиган, суҳбатни қизитадиган; гапи-сўзи ёқимли. Хушсухбат одам. — [Инженер] ўттиз беш яшар, хушсухбат, қадду қомаги келишган .. қурлишга келган. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ХУШТАБАССУМ** [ф-т+а] Юзидан ёқимли табассум аримайдиган; хушфёъл. Хуштабассум аёл. — Уезд комсомол комитетининг секретари собиқ батрак Муқим Ёрмуҳамедов бақувват, хуштабассум йиғит эди. А. Раҳмат, Оташ қалб аёл.

**ХУШТАБИАТ** [ф-т+а] Хатти-харақати ёқимли, хушфёъл; очиқ Оддийгина кийинган хуштабиат аёл Дадашевни кутувчилар столига таклиф қилди. И. Раҳим, Тақдир. Руқия она ўрта ёшлардаги хуштабиат аёл экан. Ҳ. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сирин.

**ХУШТАБИАТЛИ** айн. хуштабиат. Неъматжон хуштабиатли, уятчан бир йиғит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромада сўзлашарди. Ж. Шарипов, Саодат.

**ХУШТАБИАТЛИК** хуштабиат с. белги оти. У қиз хуштабиатлиги билан ажралиб турарди.

**ХУШТАВОЗЕ** [ф-т+а] Тавозе билан муомала қиладиган; хушмуомала, илтифотли. Хуштавозе одам.

**ХУШТАКАЛЛУФ** [ф-т+а] Ниҳоятда иззат-ҳурматни ўрнига қўядиган; хуштавозе. Хуштакаллуф одам.

**ХУШТАКАЛЛУФЛИК** хуштакаллуф с. белги оти. Хуштакаллуфлик билан муомала қилмоқ.

**ХУШТАКАЛЛУФЛИК** айн. хуштакаллуф. Бу ерда харидорларга хуштакаллуфлик кўрсатиларди. «С. Ўзбекистон», 1967, 26 апрель.

**ХУШТАЪБ** [ф-т+а] эск. айн. хуштабиат. Хуштаъб, истеъодли, эй тоза ниҳол, Юксалдинг фазога қуёш кифтида. Х. Расул. Рус киши очиқ чехра, ҳаракатчан, шахтсиз, хуштаъб, тез эл бўлувчи кўринар эди. Ҳ. Қодиров, Қодирийнинг меҳмони.

**ХУШТАЪМ** Киши суйиб истеъмол қиладиган; таъми яхши, ёқимли; хушхўр. Хуштаъм овқат. — Уреут машхур хуштаъм анзур пиёзи билан, Не тенглашар Учқоранинг майизи билан. Н. Назруллаев.

**ХУШТАЪМЛИК** хуштаъм с. белги оти. Бизда етиштирилган лимон ва апельсин ўзининг йириклиги, хушбўй ва хуштаъмлиги жиҳатидан Кавказ лимонларидан қолишмайди. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 36.

**ХУШТОР** [ф-т] 1 Бирор кимсани севган, унга кўнгил қўйган киши; ошиқ. Шу гўзал қизнинг хуштори бўлдим, Санъатин кўйиб завқларга тўлдим. А. Пўлат. [Хуморхон:] Бунақа вақтда эрни шер қиладиган пил, хотинни шер қиладиган хуштор. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Холниса хола Жаҳон бувига киши билмас кўз қисиб: «Неварангиз мана шу қизга хуштор бўлибди», — деб шивирлади. Мирмуҳсин, Чиниқши.

2 Бирор нарса билан жуда қизиқадиган, унга меҳр қўйган; иштиёқманд, орзуманд. Эҳтимол булоқдан чиқайтган бу таниқ сувнинг хуштори, кушандаси кўндир: бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас. И. Раҳим, Чин муҳаббат. — Идорада ўтириб қиладиган иш районимизда ҳам топиларди, — деди [Мўмина] гапни шарт кесиб, — унақа ишга хуштор бўлганимда бу ерга [Мирзачўлга] келиб нима қилардим. Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин.

**ХУШТОРЛИК** хуштор с. белги оти. — Қўй, болам, соқол-мурти чиққанда қизларга хушторликни ким қўйибди унга, — деди кампир. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

**ХУШФЕЪЛ** [ф-т+а] Фёъл-атвори яхши, кишига муомаласи ёқадиган. Хушфёъл одам. — Мен кўнрок келсам керак, — деди Мирза Баҳром мунозарада ўзини боадаб ва хушфёъл кўрсатиш учун илжайиб. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**ХУШФЕЪЛЛИК** хушфёъл с. белги оти. Иван Василич комбатнинг лаёқати, маҳаллий шароитни чуқур билишини ҳурматлар, унинг хушфёъллиги, ҳалоллигини ёқтирарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХУШХАБАР** [ф-т+а] Кишини мамнун қиладиган хабар; яхши хабар; мужда. Хушхабар тарқатмоқ. — Келиноийлари деярлик ҳар кун унга [Нуррига] хушхабар топширишади: «Отарбой ўртага киши қўйдирипти, кичик

ўғлига сизни сўратипти». Ойбек, Қутлуғ қон. Олимжоннинг фронтдан қайтгани тўғрисидаги хушxabар бир зумда қишлоққа ёйилди. И. Рахим, Чин мухаббат.

**ХУШХАНДОН** [ф-т] Хушчақчақ, хурсанд, шод. Каналда қатнашувчилар ўша хушхандон кунларни, кўкни янграган карнай-сурнай, қудратли меҳнат сурони, ўйин-кулгилар, қўйқирқилар, базмларни ёдладилар. Ойбек, Қуёш қораймас. || Кечки овқат вақтида Турдиев дўсти Горкунов билан шу кунларда солдатларнинг сеvimли ва ҳеч адо бўлмас мавзунга ғалаба ҳақида хушхандон суҳбатлашиб ўтирдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХУШХАТ** [ф-т+а] 1 Чиройли ёзилган хат; чиройли ёзув. Нормат биринчи конвертга қарашдаёқ ўз кўзларига ишонмади, адресни қайта-қайта ўқиди-да, таниши, хушхат билан ёзилган конвертни бағрига босди. И. Рахим, Чин мухаббат. | Яхши, чиройли (ёзув ҳақида). *Хушхат ёзув. Хушхат китоб.* — Хатни хушхат қилиб ёзиш керак. Н. Мақсудий, Умидли бола.

2 Чиройли ёзиш санъатига эга бўлган, хатни чиройли ёза оладиган, хати чиройли. *Очил тайёрлайдиган ўзбек тилидаги «Жанговар варақанинг» хушхат кўчирувчиси йўқ эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. || *Ахир, мактабда ўқиганман, ҳамма — хушхаткуш, қарорларни яхши ёзасиз дейди-ку.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || *Садақбар ҳеч қарашмади ва отаси уни ёрданга чақирганда «Мен хушхат бўлишни истайман, агар лой, ғишга қўл тегизсам қўлим қалам ушлашдан чиқади», дер эди.* Айний, Эсдаликлар.

**ХУШХАТЛИК** хушхат с. белги оти. *Хатотнинг хушхатлиги.*

**ХУШХОН** [ф-т] Овози ёқимли ашулани. *Буеун машхур хушхонлар куйлайдилар.* — *Ўзбек элининг булбули Халима Носирова куйлаганда, хушхонимиз Саодат Қобулова ўзбекнинг қалб торларини чертиб, қўшиқ айтганда .. қайси қалб севинчларга тўлмайди!* С. Кароматов, Санъатимиз жозибаси. || *Боғи шинам, Ариқ бўйида Гуркирайди райхон, ялпизлар. Тўқсон ёшли ота тўйида Хизматдодир хушхон ҳофизлар.* Х. Ғулом.

**ХУШХОНЛИК** хушхон с. белги оти. *Бу йиғит хушхонлиги билан шуҳрат қозонди.*

**ХУШХУЛҚ** [ф-т+а] айн. хушфеъл. *Хушхулқ киши.*

**ХУШХУЛҚЛИК** хушхулқ с. белги оти.

**ХУШХУР** [ф-т] Иштаха билан ёйилдиган ёки ичтиладиган; тами яхши, тотли, мазали. *Хушхур овқат. Хушхур қилиш.*

**ХУШЧАҚЧАҚ** Ҳаётдан мамнун, шод, хурсанд; доимо ўйнаб-кулиб хурсанд юрадиган. *Хушчақчақ одам.* — *Бу хушчақчақ, ширин сўз аёл қатнашмаси, тўйлар, йиғинлар қизмасди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Шод-хуррам-

лик билан, ўйин-кулги билан жуда кўнгалли ўтадиган. *Хушчақчақ ўлтириши. Хушчақчақ ҳаёт.* — *Бўлажак кинокомедия ҳақидаги хушчақчақ суҳбат ярим кечагача давом этди.* А. Қахҳор, Картина.

**ХУШЧАҚЧАҚЛИК** хушчақчақ с. белги оти. *Хушчақчақлик қилмоқ.*

— *Хушчақчақлик вақт юҳоси: улар кулишиб, хахолашиб, ҳангомалашиб қишлоққа кириб келганларини ўзлари ҳам билмай қолдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХУШҚАД** [ф-т+а] айн. хушқомат. *Хушқад йиғит.*

**ХУШҚОМАТ** [ф-т+а] 1 Қадди-қомати келишган; хушбичим. *Хушқомат жувеон.* — *[Йиғитали] қўлидаги қорозга алланималар ёзаётган хушқомат қизни кўриб, юраги жиз этди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 кўчма Ҳашаматли, савлатли; адил. *Машина ойнасидан баланд, хушқомат иморатлар лип-лип ўтиб турипти.* С. Ахмад, Меҳристон. *Темир йўл ёқасидаги йирик япроқли хушқомат тераклар кумуши тангалардек нур сочиб жилваланарди.* О. Ёқубов, Ота узидан.

**ХУШҚАВО** [ф-т+а] Иқлимни, хавоси жуда ёқимли; хавоси тоза. [Қудрат] *уч йил бу хушқаво ва ҳаётбахш диёрдан йолдуз.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ХУШҲИД** кам қўлл. айн. хушбўй. *Хушҳид сомса.*

**ХУШҲОЛ** [ф-т+а] кт. Бирор нарсадан мамнун, шод, хурсанд. *Хушҳол қилмоқ.* — *[Эркин] фикрининг аниқ айтилганидан хушҳол бўлиб, Салимжонга мулоийм тикилди.* П. Қодиров, Эркин. *Ҳасратлашиб сўрдилар аҳвол, Муштоқ диллар қайноқ ва хушҳол.* Ғайратий. *Ҳайдар ақанинг одамларга малол келмайдиган. .. кириш сўзлари ҳаммани хушҳол қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Улар шу боғларда ўйнаб-кулларди, Оғушнинг уларга маскан бўларди. Бунда ўтказарди ошиқлар висол Дамларин хушҳол.* Э. Воҳидов.

**ХҲБ** [ф-т] 1 айн. яхши 1. *Яени ёзган ҳажвлари, ғазалларини ўқиб, фалончи шоир бу хусусда бундай деган эди, мен бу шаклда таъбир бериб, мислсиз хўб нараса яратдим, деб ўзини-ўзи мақташга тушди.* Ойбек, Навоий.

2 эск. поэт. (кўплик ф-да) Чиройли, гўзал киши. *Хўблар била келганда-ку, мендан қиласиз ор, Энди ўзингиз яккаю-танҳо, қарамасиз.* Фурқат. *Гўзаллардан гўзалдир, хўбларнинг хўби, мумтози, Қилур мафтун агар бир кўрса ҳар ким шиваю нози.* Ҳабибий.

3 айн. хўп 1 2. *Ленин онги кунларни равшан, Кечаларни қилди хўб ойдин; Яна камол топар бу гулшан, Истиқболи — келгуси ёрқин.* 3. Дийр. — *Ковун қарс этиб ёриди.— Жонивор хўб этилибди-да,— деди Мадамин-хўжа қовунни коса қилаётиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХҲЖА** [ф-т] 1 эск. Бирор кимса ёки нарсанинг эгаси; хўжайин. *Уйнинг*

*хўжаси.* — *Ишрат кечаларининг бирида Хўжихон хўжасига сўнги қадаҳни тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энди сиздан шунчам сўрайин: хўжасига содиқ бир қул, сизнинг таъбирингизча маънавий бир падар, ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи?* А. Қодирий, Утган кунлар. *Туну кун ишлаб, Парча нон тишлаб, Хўжалардан ҳақ Қилолмай талаб, Ёшли кўз билан Қайтардик уйга.* Ғайратий.

2 тар. Биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган ерли киши, кейинчалик диндорларнинг эътиқодича, гўё тўрт халифадан бирининг авлоди.

3 этн. Ўрта Осиёда илгари маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари; акси **фуқаро** 2. [Хуморхон:] *Мен бу гапни айтгани номус қиламан. Хўжа авлоднинг, бизнинг авлодда ўйнаш тутган хотин ўтган эмас!* А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. *Мени нима учун бундай қийнайсиз, .. хўжа бўлиб туғилганим учун мен гуноҳқорми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Хўжазода эркаклар исмига қўшилади, мас. *Ахмадхўжа, Қаримхўжа.*

◆ **Хўжа кўрсинга (ёки кўрсин учун)** бировни алдаш, чағитиш учун; номини; наридан-бери, шунчаки, юзаки. *Хўжа кўрсинга ишлаб турмоқ.* — *Баъзилар фақат хўжа кўрсин учун [ишга] чиқади.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ХҲЖАБЕКА** Хўжайин аёл, хўжайиннинг хотини. *Ҳасанали хўжабекасининг ички сирига унча оина эмас эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХҲЖАЗОДА** [ф-т] 1 Хўжайиннинг ўғли (қ. хўжайин). [Ҳасанали] *хўжаси Юсуфбек ҳожига, айнқиса хўжазода-си Отабекка итотат ва ихлоси том [ихлоси тўла] бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Хўжа (қ. хўжа 3) авлодидан келиб чиққан киши.

**ХҲЖАЙИН** [ф-т] Бирор нарсага, мас. ер-сув, мол-мулк, уй-жойга эгалик қилувчи шахс; хусусий мулк эгаси; мулкдор, бой. [Йўлчи] *бошқа хўжайинларда ишловчи хизматкорлар, қароллар, чоракорларнинг аҳволлари ўзиникидан дуруст эмаслигини ҳаяжон билан сўзлаб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мамлакатнинг хўжайини ким? Ишчи! Яна ким? Деҳқон!* И. Рахим, Чин мухаббат. *Қўриқ ва бўз ерларни очиб учун келган азаматлар бўроқ кезиб юрган поёғини чўлнинг бирдан бир хўжайини бўлиб қола бердилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХҲЖАЙИНЛИК** хўжайин с. мавҳ. от. *Одам кўпчилик орасида ўз мавқеини ҳис қилади. Хўжайинлик гурури, колхоз бойлигига жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади.* А. Мухтор, Чинор. [Адолатхон:] *Ёввойи ўт-чи? Ёввойи ўтчи йўқотишга кўз ёши керак эмас-ки.— Вой, Адолатхон, бизга нега хў-*



жайинлик қиласиз [деди қизлар].  
И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХУЖАЛИК I** I эк. Ишлаб чиқариш воситаларининг мажмуи; ижтимоий ишлаб чиқариш усули. *Капиталистик хўжалик.* — *Деяк, бутун пдвар хўжалиги ва капитализмнинг ривожланиши процессининг асоси — ижтимоий меҳнат тақсимотибир.* В. И. Ленин, Россияда капитализмнинг тараққийси.

2 Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган, уни юзага келтирадиган омиллар; ишлаб чиқариш мажмуи; ишлаб чиқариш. *Халқ хўжалиги.* — *Оқсоқол чойдан яна хўплади-да, ҳар ким ўз мол-жонини ҳисобдан ўтказиши лозимлигини, район хўжалик ташкилотларининг бу ишни шошиштираётганини гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси, тармоғи. *Балиқчилик хўжалиги.* *Урмон хўжалиги.* — *Шундай қилиб бинокорлик бригадаси колхознинг бошқа хўжалик тармоқларидаги энг сара-ва муҳим бригадалар қаториса кириб олади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Бирор кимса, ташкилот ёки халқ ихтиёридаги барча моддий бойлик, мулк-ашъё, ер-сув, уй-жой ва ш. к. *Сал кунда колхоз хўжалиги бир қадар тартибга тушгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Хўжалик мудир* бирор ташкилот, муассаса ёки корхона ихтиёридаги мулк-ашъёни бошқарувчи киши. *Колхоз хўжалик мудир* бир арсава лом келтириб ташлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Қишлоқ хўжалигидаги ўз ер-сувиги, мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш бирлиги. *Якка хўжалик.* *Коллектив хўжалик.* — *Тангрикул ҳожи бақувват хўжалик эди.* *Гулди ака ел келса йиқилдиган беқувват хўжалик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Умуман ҳар қандай алоҳида ишлаб чиқариш бирлиги; корхона.* *Кейинги йилларда мен раҳбар бўлган хўжалик негидир оқсаб қолди.* «Муштун», 1959, № 11.

6 Алоҳида уй-жойга эга бўлган ҳар бир оила, хонадон. *Ейишга жойи бўлмаган хўжаликлардагина молларни овилмасига қамаб боқади.* С. Анорбоев, Оқсой. — *Бусун биз колхозда олтинчи хўжалик бўлсак, эрта-индин тўқсон, юз хўжалик бўлмасиз,— деди Абдурауф.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУЖАЛИК II** I эк. Бирор кимса ёки парсага эгаллик, хўжайинлик.

2 Хўжа авлодига мансублик (қ. хўжа 3).

**ХУЖАСАВДОГАР** [ф-т] Ўрмон тўрғайининг бир тури.

**ХУЖАСИЗЛАРЧА** *реш* Тежаб-тергамасдан, аямасдан, пала-партиш. *Ерлардан хўжасизларча фойдаланишга ҳали хотима берилган эмас.* «К. Ўзбекистон», 1959, № 304.

**ХУЖАСИЗЛИК** Хўжаликнинг ихтиёридаги моддий бойлики, мулк-

-ашъёни аямасдан, тежаб-тергамасдан иш тутиш; исрофгарчилик, ўзи бўларчилик. *Курилиш бошланганига саккиз ой ўтмай, ариса кўтаранларнинг кети узилмай қолди.* *Қўпчилик бундай хўжасизликдан кейин иш ҳақи тушиб кетгани учун шундай қилди.* С. Қароматов, Тоғ гўзали.

**ХУЖАҒАТ I** Мевали бута ўсимлиги.

2 Шу ўсимликнинг майда тўқ қизғиш рангда бўладиган меваси; малина.

**ХУМРАЙИШМОҚ** *хўмраймоқ* *фл. бирг. н.* *Ўзи ҳам йўғон гавдали хотин экан, юришидан уй ларзага келди.* *Кетидан қараб қолдим.* *Ўтиранлар ҳам хўмрайишиб қарашди.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

**ХУМРАЙМОҚ** Қовоғини солиб тикилмоқ; ёмон кўз билан қарамоқ. — *Менга ўраатмасанг ҳам бўлади,— деди Қодиров хўмрайиб,— мен далага биринчи марта қиқётганим йўқки, шўрванинг ҳам мазасини билмасан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — *Авазхон сиз ғазалхонлигингизни қилаверинг, бизларни ясовул боши ўзи юборди,— деди биринчи ясовул хўмрайиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тогнинг баланд чўққисидан ўтирган қушлар шоҳи пастда йиғилётган одамларга ийртқичи кўзлари билан хўмрайиб қарайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХУП** [ф-т] I I тасдиқ юк. Бирор ишга розилик маъносини ифодалайди; майли, майлига. *Хўп, бўлмаса биз кетдик.* — [Отабек:] *Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб беринчи!* — [Хасанали:] *Хўп, бегим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хўп, ишлаганим бўлсин.* *Менга иш беринг.* Ғ. Гулом, Тирилган мурда. *Хўп бўлади жуда соз, маъқул.— Мактабдан тезроқ келинг-а!* — *Хўп бўлади.* *Хўп демоқ* унамоқ, кўнмоқ, рози бўлмоқ. [Ҳайитжон Тўлахона:] *Сенга нима бўлди, қизим!* *Боя хўп деганинда шунчалик безовчиликлар бўлмас эди.* *Ҳамза, Паранжи сирлари.* *Хўп қилибсан ажаб қилибсан, жуда яхши иш қилибсан, бошлабсан.* *Суратни йиртиб ташлаб, хўп қилибсиз.* Ж. Абдулла-хонов, Тўфон.

2 *реш* Ниҳоят даражада; роса; жуда. *Болалар хўп ўйнашди.* *Ўзимиз ҳам хўп ишладик-да.* *Хўп яхши иш бўлди-да.* *Хўп содда одамсиз-да.* — *Шакар танҳо хўп савашди, Улдиқ дейишиб душман қочди.* [Ширин билан Шакар.] *Бизнинг полизда қовун, тарвуз кўп.* *Етилди эъда Сўйиб едик хўп.* И. Муслим. [Пиримбой ака] *урушдан хўп силласи қуриб чиққан хўжаликни оёққа турғизиб, кучеа киритгунча не-не машаққатлар учрамади.* Х. Назир, Эътиқод. | *Диққат, эътибор билан, сивчиқлаб.* *Жоний бир оз ўйлаб туриб айтди: — Ундай бўлса менга бир оз муҳлат бер.* *Мен Мадамнинг гапларига хўп қулоқ солиб, мақсадини билди.* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Жуда яхши.* *Сўзни*

*танлаб сўзлаганлар хўп билур сўз қадрини.* С. Абдулла.

◆ **Хўп бўпти** *кест.* ажаб бўлибди, жазосини тортсин.

**Хўп II** *айк.* хўптир.

**ХўППА:** *хўппа семиз с. т.* ниҳоятда семиз, дум-думалоқ. *Шундай нозик, мўрча миён нарсани ўша хўппа семиз давангирга берасизми?* Ш. Саъдулла, Икки билагузук. *Мўғуллар қало-қазодек кўрғончага бостириб киргач, кампир боши тепасида турган сочлари ўсиқ, хўппа семиз бацараларни кўрди.* М. Осим, Ўттор.

**ХўПТИР** Ғалла янчиш учун от, хўкиз каби ишчи ҳайвондан қўшиб юргизиладиган, шох-шабдан ясалган, устига одатда оғир юк бостириб қўйиладиган моласимон маҳаллий қурол; увол. *Хўптир ҳайдалоқ.*

**ХўП-ХўП** *тасдиқ юк.* Тасдиқни таъкидлайди, кучайтиради. *Хўп-хўп, шошиманг.* — *Мирҳомидхўжа таъзим қилди: — Хўп-хўп, жоним билан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХўР** [ф-т] Хўрланган; иззат-нафси таҳқирланган, поймол қилинган. *Хўр бўлмоқ.* *Хўр қилмоқ.*

**ХўРА** [ф-т] Овқатни танламай кўп ейдиган, серовқат (асосан ҳайвонлар ҳақида). — *Хотининг хўра бўлса урди худо, молинг хўра бўлса берди худо, деб шунга айтар экан-да!* — *луқма ташлади Шерали.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Қўйни биласиз-а, янги келган уйда ем емайди.* *Ураниб кетгандан кейин шундақаям хўра бўлиб кетадики, асти қўяверасан.* С. Аҳмад, Тovuқ тилини биладиган одам.

**ХўРАК** [ф-т] I Ейиш мумкин бўлган нарса; емиш, овқат. *Ақлли одам қиш ғамини ёз ер, кеча бўлса хўрагини оз ер.* Мақол. — *Қоғажрак қолган майсалар орасидан хўрак тополмаган сиргир, шикояттамуз мағраб қўяди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. | *Овқат (ичиш, ейиш); тановул.* *Яқинларда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, хўрак олдиндан майиз истеъмол қилинг, деб кенгаш бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хўрак қилмоқ** овқат емоқ, овқатланмоқ. *Йўл билан албатта очиққансиз, саби-ниёз ва ёйитларим ҳаммаси тайёр, фақат ўчоққа олов ёқсам бас, ўзим ҳам ҳали хўрак қилганим йўқ, кўп эмас озгина, бир чимдимгина қиламан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Мол, ҳайвон, парранда овқати (ем, дон ва ш. к.).* *Қўйга хўрак бермоқ.* — *Нега хўракка териб ташлаган бездек бўзрайиб турибсан?* — *деди Мавлон.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

2 с. т. Хўра.

**ХўРАКИ** [ф-т] Ҳосили истеъмол қилинадиган, ейиладиган; истеъмол учун махсус экиладиган. *Экиладиган хўраки навларнинг узуми ширин ва мазали.* Р. Мусамухамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

**ХўРАҚХОНА** [ф-т] с. т. Овқатланадиган жой; ошхона. *Шу серҳашам*



меҳмонхонанинг биринчи қаватида ундан ҳам ҳашаматлироқ хўракхона бор. «К. Ўзбекистон», 1959, № 280.

**ХҲРАМ-НОХҲРАМ** [ф-т] *реш, диал.* Истар-истамас; зўраки, аранг. Ноилож, хўрам-нохўрам судралиб, бориб-келиб ўқимоқдаман. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ХҲРАМ-НОХҲРАМЛИК:** хўрам-нохўрамлик билан айн. хўрам-нохўрам.

**ХҲРАНДА** [ф-т] Ошхонада овқат сотиб олувчи киши; овқатланувчи. Мазали маккажўхорини хўрандалар яхши истеъмол қила бошлашди. О. Турсунов, Арзон ва мазали.

**ХҲРДА I** [ф-т], *хўрда ош* Гуручли суюқ овқат; мастава. *Серқатиқ хўрда. Хўрда ичмоқ.* — Овқат сўровди, қий-малаб, қатиқлаб хўрда қилиб бердим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Пахта теримига хашарчи бўлиб келган мактаб ўқувчилари зўр иштаҳа билан хўрдани ичдилар. Ж. Шарипов, Саодат. *Шу вақтда Гулсумбиби бетоб, иштаҳасиз қизи учун ўз ҳовлисиди, ўз декчасиди тайёрлаган бир коса серқатиқ хўрда ошни авайлаб кўтариб, эшикдан кириб келди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бировнинг хўрда бурдасида бўлмоқ дағл.** кимса қарамоғида бўлмоқ.

**ХҲРДА II** [ф-т] Ғадир-будир жойлари ейилиб, силлиқланган; текис. *Хўрда бўлмоқ.* Араванинг ўқи ҳали хўрда бўлмапти.

**ХҲРИЛЛАМОҚ** айн. хурилламоқ.  
**ХҲРИЛЛАТМОҚ I** хўриллатмоқ фл. орт. н. Чиллими хўриллатмоқ.

2 Ичимлик ёки суюқ овқатни хўр-хўр шовқин чиқариб ичмоқ. *Рисолат Низомжоннинг олдиға бир коса мастава келтириб қўйиб, айвон устунига суянганича, унинг хўриллатиб овқат ичишиға қараб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ХҲРЛАМОҚ** Бировнинг иззат-нафсини таҳқирламоқ, поймол қилмоқ. *Боқмасанг молинг кетар — хўрласанг, хотининг кетар.* Мақол. — *Мусофир экансан . . . бўлмаса ўлим тўшағида ётган одамларни калака қилиб хўрлаган киши, бизда туя думига боғлаб даштга қувилади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Мени нима учун бундай қийнайси, нима учун бундай хўрлайси, катта буви?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХҲРЛАНМОҚ** хўрламоқ фл. *мажҳ.* н. У етим болаларни, тайёқланган чолларни, хўрланган қизларни кўрди. Ойбек, Куёш қораймас. *Мушлари қисилганини ўзи ҳам сезмай, титроқ лаблари билан пичирлади: — Сиз мени билмайси, мен хўрланганман.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ўғлининг шунчалик хўрлангани, ўзининг ҳам оппоқ соқоли хўрмат қилинмагани Вали акани алам оташида куйдирмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХҲРЛАТМОҚ** хўрламоқ фл. орт. н. — *Неға хўрлатиб қўяр эканмиз! —*

*деб Полвонга қаради у.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ХҲРЛАШМОҚ** хўрламоқ фл. бирг. н.  
**ХҲРЛИК** Иззат-нафси поймол бўлиш, таҳқирланиш. *Бундай хўрликларга асло чидаб бўлмайд.* — *Кет десанг, Қашкар кетай, йўларда ёлғизлик ёмон, Ёлғизликдан ким ўлибди, ҳаммадан хўрлик ёмон.* «Қўшиқлар». *Неча вақтлар қолдинг хўрликлар тортиб, Бу ерда кун кўрдинг кўп ғамга ботиб.* «Рустамхон». **Хўрлиги келди** камситилганликдан руҳан қаттиқ эзилди, ўта ўксинди. *Майнанинг хўрлиги келиб ўпкаси тўлди. Абдуваҳобдан ийманди, сехин ютиниб, кўз ёшини қайтарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХҲРОЗ** [ф-т] I Товуқнинг эркаги. *Бабақ хўроз. Урушқоқ хўроз. Ҳар ерда хўроз бирдек қичқиради.* Мақол.

2 *кўчма с. т.* Танги; мард. *Хўроз йигит!* — *Тантубойваччаникига борамиз эртага. . . Жуда хўроз одам.* *Кўрсангиз, ўзингиз ҳам хўрон қоласиз.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Ғанивой жуда бопта иш қилти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади, — деди Бургут.* С. Аҳмад, Чўл бургути. || *Қўзибой йўлда уни [Омонтойни] Усмонали ака билан таништирди. — Матрос бола, Болтиқнинг хўрозларидан.* Яқинда келган. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

◆ **Хўроз гап ёки гапнинг хўроз** с. т. гапнинг асоси, хулласи. *Мен сизга гапнинг хўрозини айтсам, Мухторхон, шунча аскар билан Қумқашлоқни олса бўлади, холос.* Х. Ғулом, Машғал. *Хўроз қичқирмасдан ҳазил нихоятда барвақт, жуда эрта. Врач қабулига биринчи бўлиб ёзилай деб, хўроз қичқирмасдан келгандим.* «Муштум», 1959, № 12.

**ХҲРОЗБОЗ** [ф-т] Хўроз уриштиришни яхши кўрадиган одам. *Чунончи, машхур Алимжонбойнинг ўғли Тўра-хон бойвачча қўқорбоз, хўрозбоз ва хотинбоз эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ХҲРОЗЛАНМОҚ** Хўроз сингари хужумга ташланмоқ, хезланмоқ. — *Лавънати! — деди Тўлабош, унинг [Мусанинг] кетидан хўрозланиб.* Н. Фозилов, Оқмд.

**ХҲРОЗҚАНД** [ф-т] Болалар учун хўроз шаклида тайёрланадиган ширинлик, қанд. — *Ўтиринг, ўтиринг, — деди Самандаров ва чўнтағидан иккита хўрозқанд чиқариб болага берди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ХҲРСИНИК** Бирор ғам, ташвиш ва ш. к. туфайли чиқариладиган оғир нафас; уфуринг; хўрлиги келиб кескин нафас олиш. *Болага хўрсиниқ келди.* — *Азиза ичидан чиққан хўрсиниқни зўрға босди.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ХҲРСИНМОҚ** Бирор ғам, ташвиш ва ш. к. туфайли оғир нафас чиқармоқ; уфурмоқ. *Чуқур хўрсинмоқ.* — *Яхши хотин эди, — деди чол, хўрсиниб.*

А. Қаххор, Қўшчинор. *Аҳмад Хусайн қизнинг юзларига, . . . нозли жилваларига узоқ, чуқур, соғинчли боқиб узун хўрсинди.* Ойбек, Нур қидариб. *«Йиғламанг, йиғламанг, Санобар она!»* *Адолат шу гапни айтди-ю, ичидан кучли бир хўрсиниш келиб бўғзига қадалди.* С. Зунунова, Гулхан.

**ХҲРСИНТИРМОҚ** хўрсинмоқ фл. орт. н. *Бу ўй Уктамни ичдан хўрсинтирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ХҲР-ХҲР** тақл. с.: **хўр-хўр ичмоқ** шовқин чиқариб қаттиқ хўпламоқ, хўриллатиб ичмоқ. *Маставани хўр-хўр ичмоқ.* — *Зайнабнинг кўзи тез-тез Отабекка тушар, у бўлса хўр-хўр чойни ичар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХҲТИК** Эшакнинг боласи; ёш эшак. [Навоий:] *Қим, кучук бирлан хўтиikka қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ХҲШ I** [ф-т] юкл. I Сўроқ гап олдида келиб, «айтинг-чи», «жавоб беринг-чи», «тушунтириб беринг-чи» каби маъноларни ифодалайди. *Хўш, нима гап ўзи? Хўш, бу нима қилиқ?* — *Хайрият, шунчалик одам бўлибсиз, — деди эшон ва яна сўради.* — *Хўш, исми шарифингиз?* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Қисташ маъносини ифодалайди. Ҳеч ким бошламади. — Хўш, гапиринглар, — деди Ўтабой.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Нутқ процессида топилмай қолган сўз ўрнида ёки пауза ўрнида қўланади. *Хўш, бир нима демоқчи эдим.* — *Хўш, десангиз, Бағдод деган шаҳарда Абустанбал деган бир ялқов йигит ўз онаси билан яшар экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ХҲШ II** [ф-т] айн. хайр II. «Хайр, худонинг паноҳига, Анаар!» — «Хўш, Султонали ака!» — *иккиси ажралишдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХҲШ III** унд. с. Молни ҳайдаш ёки қайтариш учун айтилади. *Деҳқон хўш, хўш!»* *деб хўкиз билан ер ҳайдар эди.*

**ХҲШЛАШМОҚ** айн. хайрлашмоқ. *Тантубойвачча қўлини кўксига қўйиб, эшикда қолган эллиқбоши билан хўшлашиб, илдам юриб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ой, севгилиси билан хўшлашиб ўзини дарчага олган ой юзли каби, бир нарча булут ичига кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.  
**ХҲҚАЧА** Қичик кўза; кўзача. [Ойимтилла] *хўқачадаги зиғир ёғидан қозонга озгина пивёдоғ қилди.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

## Ц

Ц Ўзбек алфавитининг йигирма тўртинчи харфи; қ. це.

**ЦАПФА** [р < нем] *тех.* Вал ёки ўқнинг подшипникка таяниш, унда айланадиган қисми. *Буриш цапфаси.*

**ЦЕ** «Ц» харфининг номи.

**ЦЕЗИЙ** [*p* < *лат*] Химиявий элемент, кумуш тусли юмшоқ металл.

**ЦЕЙТНОТ** [*p* < *нем*] Шахмат ва шашка ўйинида: юриш учун белгиланган вақт охирида ахвол танг бўлиб қолган пайт, вақт танқислиги. *Цейтнотда қолмоқ.*

**ЦЕЛЛОФАН** [*p* < *лат*+*грек*] Целлюлозадан махсус йўл билан ишлаб олинган юпқа, сув ўтказмайдиган шаффоф материал (мол ўраш учун, шунингдек полиграфияда ишлатилади). *Целлофанга ўралган мол. Целлофан цехи.* || *Целлофан халта.*

**ЦЕЛЛУЛОИД** [*p*] Целлюлозадан тайёрланган, тез ўт оладиган, эластик шаффоф модда (атторлик буюмлари, ўйинчоқлар ва ш. к.лар ясада ишлатилади). *Целлулоид массаси.* || *Целлулоид ўйинчоқ.*

**ЦЕЛЛЮЛОЗА** [*p* < *лат*] 1 Ўсимлик ҳужайралари қобиғининг асосий қисмини ташкил этадиган юқори молекулали бирикма.

2 Ёғочдан ва баъзи бир ўсимликларнинг поясида химиявий йўл билан ҳосил қилинадиган модда (қоғоз, сунъий ипак, портловчи моддалар ва ш. к.лар тайёрлаш учун ишлатилади).

**ЦЕЛЬСИЙ** [*p*] (Ц — *катта*) Сувнинг музлаш нуқтасидан қайнаш нуқтасигача бўлган температурани кўрсатадиган 100 градуса бўлинган шкала ва шундай шкалали термометр. *Цельсий билан 20°.*

**ЦЕМЕНТ** [*p* < *лат*] 1 Сувга қорганда тез қотиб тошга айланадиган қурилиш материали; семон. *Юқори навли цемент.* || *Цемент пойдевор.*

2 *анат.* Тишнинг ўзаги ва бўйинини қоплаб турадиган суяк тўқимаси, қобиғи.

**ЦЕНЗ** [*p* < *лат*] Қишиларнинг айрим сиёсий ҳуқуқлардан, хусусан сайлов ҳуқуқидан фойдаланишини чеклайдиган шартлар, даражалар. *Мулк цензи. Ёш цензи. Цензга асосланган сайловлар.*

**ЦЕНЗОР** [*p* < *лат*] Цензура хизматидаги шахс.

**ЦЕНЗУРА** [*p* < *лат*] 1 Матбуот устидан назорат қилиб турувчи давлат муассасаси. *Ҳарбий цензура.*

2 Матбуот, сахна ва ш. к. учун белгиланган асарларнинг ёки ҳар хил хат-хабарларнинг мазкур муассаса томонидан кўрилиши, текшириб турилиши. *Цензура қилмоқ. Цензурадан ўтказмоқ.*

**ЦЕНТНЕР** [*p* < *лат*] Метрик ўлчов системасида 100 килограммга тенг оғирлик ўлчови.

**ЦЕНТНЕРЛИ** Центнер оғирлигидаги. *Икки центнерли той.*

**ЦЕНТНЕРЧИ:** юз центнерчи ҳар гектар ердан 100 центнер ҳосил етиштирувчи пахтакор. *Юз центнерчи қизларнинг Мақтовни шеърага ситмас.* Зулфия.

**ЦЕНТНЕРЧИЛИК:** юз центнерчилик ҳаракати ҳар гектар ердан 100 центнер

пахта етиштириш учун кураш олиб борувчи пахтакорлар ҳаракати.

**ЦЕНТРАЛИЗМ** [*p*] Маҳаллий органлар марказий ҳокимиятга, ягона бир марказга бўйсундирилган идора ёки ташкилот системаси, марказлаштирилган идора усули.

◆ **Демократик централизм** КПСС ва коммунистик партиялар ташкилий тузилишининг асосий принципи — барча раҳбар органларнинг пастдан юқоригача сайлаб қўйилишига, уларнинг партия ташкилотлари олдида ва юқори органлар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туришга, озчиликнинг кўпчилиikka бўйсунушига, юқори органлар қарорларининг қўйи органлар учун мутлақо мажбурий деб қабул қилинишига асосланган принцип. *Биз централизмни ҳимоя қилганимизда, фақат демократик централизмни ҳимоя қиламиз.* В. И. Ленин, Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.

**ЦЕНТРИЗМ** [*p*] *сиёс.* II Интернационал партиялар ичида ҳукм сурган, оппортунизмнинг жуда усталик билан ниқобланган энг қабиҳ формаси.

**ЦЕНТРИСТ** [*p*] Центризм тарафдори, иштирокчиси.

**ЦЕНТРИФУГА** [*p* < *лат*] Марказдан қочирма куч таъсири билан суяқликдаги оғир қисмларни енгил қисмлардан ажратадиган машина.

**ЦЕХ** [*p* < *нем*] Саноат корхонасининг асосий ишлаб чиқариш бўлими ва унинг биноси. *Мартен цехи. Набор цехи. Цех бошлиғи.* ■ *Моторлар гулдираб, гилдирак пилдираб, цехда яна иш бошланди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ЦИАН** [*p* < *грек*] Азот билан углеводдан иборат ўткир ҳидли туссиз заҳарли газ.

**ЦИАНЛИ** Таркибида циан бўлган. *Цианли калий.* I Ичида циани бор, циани бўлган. *Цианли баллон.*

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** [*p* < *лат*] Муайян ижтимоий тараққиёт босқичида эришилган моддий ва маънавий маданият босқичи; маданий тараққиёт.

**ЦИКЛ** [*p* < *грек*] 1 *махс.* Маълум давр ичида такрорланиб турадиган иш, ҳодиса, процесс ва ш. к.нинг ҳар бир давраси. *Ички ёниш двигателининг цикли. Узарувчан ток цикли. Ишлаб чиқариш цикли. Станокнинг ишлаш цикли.*

2 Бир бутунни ташкил этган бир қатор лекция, концерт ва ш. к. мажмуи. *Санъатга доир лекциялар цикли.*

**ЦИКЛИК** [*p* < *циклический*] Цикллар бўйича содир бўладиган, цикли, даврий. *Қайта ишлаб чиқаришнинг циклик ҳаракати.*

**ЦИКЛЛАШТИРМОҚ** Циклларга, туркумларга бирлаштирмоқ; циклларга, туркумларга ажратмоқ.

**ЦИКЛЛИ** Даврали, даврий. *Циклли процесс. Ишининг цикли графиги.*

**ЦИКЛОН** [*p* < *грек*] *метеор.* Радиуси бир неча юз, ҳатто бир неча минг

километргача етадиган ҳаво гирдоби, уюрмаси (унда уюрманинг ҳаво босими пасая боради, циклон пайтида кўпинча кўк бетини қалин булут қоплайди, ёғин ёғади).

**ЦИКЛОТРОН** [*p* < *грек*] Зарядланган заррачалар ҳаракатини тезлаштирадиган, атом ядросини текширишда ишлатиладиган мослама.

**ЦИЛИНДР** [*p* < *грек*] 1 *мат.* Тўғри тўртбурчакнинг томонларидан бири атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисм.

2 *тех.* Шу шаклдаги деталь ёки буюм. *Двигатель цилиндрли.*

3 Соябони кичикроқ, тепаси баланд цилиндрик бош кийими, эркаклар шляпаси. *Цилиндр кийган киши.*

**ЦИЛИНДРИК** [*p* < *цилиндрический*] Цилиндрга оид. *Цилиндрик жисм.* I Цилиндр шаклидаги, цилиндр шакли, цилиндрсимон. **Цилиндрик сирт мат.** тўғри чизиқнинг берилган эгри чизиқ бўйлаб илгарилана ҳаракатидан ҳосил бўлган сирт.

**ЦИЛИНДРЛИ** I Цилиндрли бўлган, цилиндр билан таъминланган. *Цилиндрли машиналар. Тўрт цилиндрли двигателлар.*

2 Бошига цилиндр кийиб олган. *Цилиндрли йигит.*

**ЦИНГА** [*p*] Витамин етишмаслиги туфайли юз берадиган дармонсизлик, тиш милкларининг бўшашуви ва қонаши, тишларнинг тўкилиши билан характерланадиган касаллик; зангила. *Цинггага қарши кураш. Цинга касаллиги.*

**ЦИНК** [*p* < *нем*] Химиявий элемент, оч кўк-оқши рангли, яхши чўкнчланадиган металл; руҳ.

**ЦИНКОГРАФ** [*p*] Цинкография мутахассиси.

**ЦИНКОГРАФИЯ** [*p* < *нем*+*грек*] *полигр.* I Типографияда расм, чизма ва ш. к. босиш учун руҳ қишелар тайёрлаш усули. *Цинкография клишеси. Фото суратни цинкография усули билан босиб чиқариш.*

2 Шундай клишелар тайёрлайдиган корхона ёки цех.

**ЦИРК** [*p* < *лат*] 1 Санъатнинг акробатика, дорбозлик, масҳарабозлик, ҳайвонлар ўйнатиш ва ш. к. томошаларни ўз ичига олган тури. *Цирк мактаби.*

2 Санъатнинг шу турини томошабинларга кўрсатиш билан шуғулланадиган муассаса ва унинг биноси. *Тошкент цирки.* ■ *Худди цирк отларидай беэтилган семизгина, силлиққина бўз от текис олиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ЦИРКУЛЬ** [*p* < *лат*] Айлана, доира чизишга, чизиқлар узунлигини ўлчашга хизмат қиладиган асбоб; паргар. *Циркуль билан айлана чизмоқ. Циркуль игнаси. Циркуль оёқчаси.*

**ЦИРКУЛЯР** [*p* < *лат*] Директив органлар томонидан қўйи ташкилотларга ёки тобе мансабдор шахсларга юбориладиган фармойиш, буйруқ.

Циркулярь олмоқ. || Циркулярь телеграмма.

**ЦИРКЧИ** Цирк артисти.

**ЦИСТЕРНА** [р<лат] Суюқтиқлар сақланадиган ёки ташиладиган катта резервуар, идиш ва шундай резервуар ўрнатилган вагон, автомобиль ва ш. к. *Нефть цистернаси. Темир йўл цистернаси.*

**ЦИСТЕРНАЛИ** Цистерна ўрнатилган. *Цистернали вагон.*

**ЦИТАТА** [р<лат] Бирор текстдан, асардан айнан кўчирилган парча. [Эшонбоев] *студентларнинг конспектларидан, стенограммдан цитаталар келтирди. П. Қодиров, Уч илди.*

**ЦИТАТАБОЗЛИК** Цитаталар келтиришга берилиб кетиш, цитаталар келтиравериш. *Хабарча жуда кичкина, шунинг учун уни кўчириб қўя қоласак, ҳеч ким бизни цитатабозликда айбламаса керак деб ўйлаймиз. «К. Ўзбекистон», 1959, № 241.*

**ЦИТРУС** [р<лат] Лимон, апельсин, мандарин каби ўсимликларнинг умумий номи. *Қавказ цитруслари. Цитрус меваси.*

**ЦИФЕРБЛАТ** [р<нем] Стрелкали ўлчов асбобларининг шкалалар, рақамлар, ёзувлар ва ш. к. белгилар ёзилган пластинка қисми. *Соат циферблати.*

**ЦИФЕРБЛАТЛИ** Циферблат ўрнатилган, циферблати бўлган. *Циферблатли тарози.*

**ЦОКОЛЬ** [р<итал] I *архит.* Бино, нишоот, устун ва ш. к.нинг бевосита фундамент устига қурилган ва юқори қисмига нисбатан олдинга бир қадар туртиб чиққан пастки қисми. *Бино цоколи. Цокол плитаси.*

2 *тех.* Электр лампани патронга бириктиришга хизмат қиладиган металл қисми.

## Ч

**Ч** Ўзбек алфавитининг йигирма бешинчи ҳарфи; қ. че.

**ЧАБИНМОҚ** *диал.* Бирор кимса ёки нарсага ташланмоқ, ҳамла қилмоқ, човут солмоқ.

**ЧАВАНДОЗ** [ф-т] От чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам. *Моҳир чавандоз. || Чавандоз йигит. — Икки чавандоз ёнма-ён от йўрттириб келарди. Х. Ғуллом, Машъал.*

**ЧАВГОН** [ф-т] От устида учи эгри таёқ билан тўпни уриб ўйналадиган ўйин.

**ЧАВҚАР** Ола-була; қора холли, хол-хол (от туси ҳақида). *Чавқар от. † Шундай тусдаги от. Нигора ўша кунни пешин маҳалда чавқарини қора терга ботириб, Оқсойга кириб келди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЧАВҚОН** *айн.* чавгон. [Одамлар] *отларини гижинглатиб «чавқон» ўйи-*

## ЧАЙМОҚ

нидан қайтадилар. Ойбек, Нур қидириб.

**ЧАВОҚЛАМОҚ** Бир неча ерига пичоқ урмоқ, пичоқ уриб ичак-чавоғини афдармоқ.

**ЧАЁН** I *зоол.* Ўргимчаксимонлар синфига мансуб, танаси бўғин-бўғин умуртқасиз заҳарли жонивор. *Илоннинг боласи — илон, Чаённинг боласи — чаён. Мақол.*

2 *кўчма* Тили аччиқ, бамисоли чаёндек қақувчи, газанда (одам ҳақида).

**ЧАЁНВАЧЧА** I Чаённинг боласи. 2 *кўчма* Газанда одамнинг боласи. *Сиз билан бирга турмага киришга розиман, дадажон, аммо чаёнваччага [Неъматга] эрга тегмайман. 3. Фатхуллин, Булутсиз кўланка.*

**ЧАЁНЎТ** Пояси ва барги заҳарли қилчалар билан қопланган, баданга тегса қаттиқ қичитадиган ёввойи ўт.

**ЧАЙИЛМОҚ** *чаймоқ фл. мажҳ. н.* Чайилган косалар.

**ЧАЙИНДИ** Бирор нарса чайилгандан кейин қолган ифлос, кир сув.

**ЧАЙИНМОҚ** *чаймоқ 2 фл. ўзл. н.* Душда чайиниб олдим.

**ЧАЙИР** I I Толалари маҳкам бириккан, ёрилниш, ишланиши қийин (ёғоч-тахта; ўтин ҳақида). *Чайир ёғоч. Чайир ўтин. Чайир тўнка.*

2 *кўчма* Меҳнатда пишган, бақувват. *Чайир қўл. Чайир бола. — У [Эргаш] офтобда куйган пешанасининг чайир терисини жийириб, ариқдаги лойқа сувга йиқилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ЧАЙИР** II Саксовуллар оиласига мансуб, панжага ўхшаб ўсадиган ёввойи ўсимлик. *Оқ чайир* мураккаб-гулдилар оиласига мансуб майда-майда оқиш гулли доривор ўсимлик.

**ЧАЙИРЛИК** *чайир I с. белги оти.* Бўғалиги билан отасига, чайирлиги билан онасига тортган. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧАЙИШМОҚ** *чаймоқ фл. бирг. н.* Меҳмонлар қўл учларини чайишди. Х. Ғуллом, Машъал.

**ЧАЙЛА** Шох-шабба, қамиш ва ш. к.дан одатда полиз экинлари теласига вақтинча қурилган уйча; қапа. *Чайла қилмоқ. — Кун бўйи қўй боққан чўпонлар оқиомлари чайла олдида ўт ёқишлари табиий. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ЧАЙМОҚ** I Ювилган нарсани тоза сувга ботириб ёки устидан тоза сув қуйиб чайқаб тоза қилмоқ. *Қозон-товоқларни чаймоқ. Қир чаймоқ. — У [Ҳайтхон] шамон рўмолисини чайди, чайиб пешанасига қўяди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.] Енгил-елпи ювмоқ. Қир чайиб олмоқ. Юз-қўлини чайиб келмоқ.*

2 *Пок, тоза тутиш ёки даволаш учун сув ёки бирор доривор суюқлик билан ювмоқ; чайқамоқ. Оғиз чаймоқ. Томоқни сода билан чаймоқ. — Садаф каби оқ тишларини бир-икки чайди-да, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

## ЧАЙҚАМОҚ

3 Чўмилтирмоқ (чорва молларини). *Отни чаймоқ.*

**ЧАЙНАЛГАН** *чайнамоқ фл. сфтди.* *Чайналган гўшт. Чайналган нон.* 2 *кўчма* Кўп ишлатилавериб сийқаси чиққан, оғиздан қолган; эски. *Чайналган гаплардан тагин борми? О. Ёқубов, Ларза.*

**ЧАЙНАЛМОҚ** *чайнамоқ фл. мажҳ. н.* *Чайналиб оқ ем бўлиб кетган гўшт. Чайналиб сийқаси чиққан гап. Чайналиб гапирмоқ ланж, ноаниқ гапирмоқ.*

**ЧАЙНАМ** (*нумератив сўзлар билан бира қўлланади*) Оғизда чайнашга лойиқ бирор нарса. *Бир чайнам гўшт. Икки чайнам сақич.*

**ЧАЙНАМОҚ** I Оғиздаги таомни тишлар орасида майдаламоқ, юмшағмоқ. *Нон чайнамоқ. Сақич чайнамоқ. — Отлар пишқириб туриб, хушбўй хўл бедани шитаҳа билан чайнамоқда эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**Чайнаб турмоқ** 1) чайнаш билан машғул бўлмоқ; 2) *кўчма с. т.* тирикчилик ўтказиш учун ишлатмоқ, еб-ичиб турмоқ. *Энанг беш-ўн танга пул сўраб юборди. Бўлса, чиқариб бер, боёқишлар чайнаб турсин. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *с. т. айн.* **Ғажимоқ** 5. *Машина қўлини чайнаб кетибди.*

3 *кўчма* Бировни ғийбат қилмоқ, ёмонлаб гапирмоқ; койимат. *Мулла Сулаймон сизни бўлса роса чайнадилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Утирганлардан «Фарин!» деган садо чиқмаган, иззат-нафис қирилиб, ҳаммани бир-бир чайнай бошлади. Ойбек, Навоий.*

4 *кўчма салб.* Бир гапни ҳа деб қайтаравермоқ; гапни чўзмоқ; ҳал бўлган масалани яна айлангириб муҳокама қилавермоқ. *Бу масалада ҳам ишни гала солиб, гап чайнаб юришни эп кўрмади. Ш. Ғулломов, Ташаббус.*

◆ **Чайнаманг шиминг айн.** *обакиданлон.*

**ЧАЙНАТМОҚ** *чайнамоқ 1—3 фл. орт. н.*

**ЧАЙНАТТИРМОҚ** *чайнатмоқ фл. орт. н.*

**ЧАЙНАШМОҚ** *чайнамоқ фл. бирг. н.*

**ЧАЙҚАЛМОҚ** I *чайқамоқ фл. мажҳ. н.* *Чайқалган қирларни ёймоқ.*

2 *У ён-бу ён тебранмоқ, лапангламоқ. Челақдаги сув чайқалиб кетди. — [Мадамнхўжаннинг] озғин гавдаси ашулага монанд чайқалади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.] кўчма* Тўлқинланмоқ. [Гулнорнинг] юрагида дард тўлқини бирдан кучли чайқалиб кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧАЙҚАЛТИРМОҚ** *чайқалмоқ 2 фл. орт. н.*

**ЧАЙҚАМОҚ** I *айн.* **чаймоқ.** *Қир чайқамоқ. — [Қумуш] озғини чайқагандан кейин Отабек қатиқни таклиф қилган эди, ичмади ва ўзини ёстиққа отди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *У ён-бу ён тебрлатмоқ. Бошини*

чайқамоқ. — Погодин бу сўзларни эшитиб, норозилик маъносинда бошини чайқади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧАЙҚАТМОҚ** I чайқамоқ I фл. орт. н. Кирни икки марта чайқатмоқ.

2 Ҳар ёнга тўлқинлатмоқ, тебратмоқ. *Сувни чайқатмоқ.* — Юсуфбек ҳожиди. қўлидаги пидласини чайқатиб оғир бир ҳолат кечирган ва чуқур бир суқунатга кетган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Ғир-ғир эсатган шамол теварак-атрофни қоплаган ям-яшил ўт-алафларни, экинларни денгиздай чайқатади.* С. Анорбоев, Қолхоз кишилари.

**ЧАЙҚАТТИРМОҚ** чайқатмоқ фл. орт. н.

**ЧАЙҚОВ** Олиб-сотарлик; олиб-сотиш, олиб-сотув; спекуляция. **Чайқов бозор(и)** олиб-сотарлар савдо қиладиган бозор.

**ЧАЙҚОВЧИ** Олиб-сотарлик билан шуғулланувчи шахс, олиб сотар; спекулянт.

**ЧАЙҚОВЧИЛИК** Чайқов билан шуғулланиш; спекуляция.

**ЧАК** [ф-т] тақл. с. Томчининг урилтишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Томчи чак этиб тоғорачага тушиди.*

**ЧАКАК** I анат. Пастки жағ.

♦ **Чакаги оч** ёки **чакаги ичига** кирган лунжи ичига ботган, ориқ. **Чакаги очик** 1) серийги, йиғлоқи (бола ҳақида); 2) сергап, эзма; вайсақи. **Чакаги тушиди** гапира-гапира чарчади, зерикди. **Чакаги чакагига тегмайди** тез ва кўп гапиради; сергап, эзма. **Чакаги ткинмайди** 1) кўп, тинимсиз йиғлайди; 2) кўп гапиради; 3) тинимсиз овқат кавшайди.

**ЧАКАК II** Оёқ кийимининг юзи билан дастагининг бирлашган ери, ёни. *Қатнай-қатнай кавушимнинг чакаги тушиди.*

**ЧАКАКЛИ** I Серийги, йиғлоқи. *Чакакли бола.*

2 Сергап, эзма.

3 *Кўчма* Еб-тўймас, юхо, очофат. — *Вой-бой.* — *деди чол [Шум боласа], — чакаклигина мол кўринасан, қирдаги киши нега сени сўжиб кетаёттибди, бўлмади?* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ЧАКАК-ЧАКАК** Ориқ, юз гўштлири кам. *Бетоблиги учун бўлса керак, чакак-чакак бўлиб кетибди.*

**ЧАКАКЛАК** Шоҳлари бир-бирига чалқашиб кетган қатин бутазор ёки дарахтзор. *Ҳовли эрқасидаги чакаладан секин-секин ой кўтарила бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мирҳосил изсоидан тушиб, қаросиз қолдирилгани орқасида чакалакка айланган дарахтзорни яёв айланди.* Ҳ. Гулом, Машъал.

♦ **Чакалакка қочмоқ** (ёки **урмоқ**) ўзини бирор ншдан четга тортмоқ, ўзини қуруққа олиб қочмоқ. *Қодиров салеина шаштидан тушиб, бўшашгандай бўлди.* — *нима учун қил-*

ғиликни қилиб, чакалакка қочасан? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧАКАЛАҚЗОР** Чакалак босган жой; бутазор.

**ЧАКАМУҒ** Ёпишқоқ юмалоқ тиканли, япалоқ баргли ёввойи ўсимлик ва унинг тиканаги. *Отнинг ёлига чакомуғ ёпишибди.*

**ЧАКАНА** [ф-т] I Доналаб ёки майдалаб, тортиб сотиладиган. *Чакана савдо. Чакана нархлар.*

2 Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, майда-чуйда. *Чакана иш. Чакана пул. Чакана гап.* — *Бизни чакана деб ўйлаётсанми, акаси бўйдан?* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**ЧАКАНАЛАБ** рвиш Доналаб, майдалаб, чакана. *Чаканалаб олмоқ. Чаканалаб сотмоқ.* — У [Тожбой] бозордан сабзи, пидё, гуруч, ҳатто қалампирдан тортиб, сақич, қуртгача олиб чиқиб қўяр, зорикқанларга чаканалаб сотар эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ЧАКАНАЧИ** Чакана савдо қилувчи, чакана савдо билан шуғулланувчи.

**ЧАКАНА-ЧУКАНА** с. т. Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимаган, майда-чуйда. *Чакана-чукана гап. Чакана-чукана иш. Чакана-чукана нарсаларга эътибор берманг!*

**ЧАКАНДА** [ф-т] Жийдасимонларга мансуб, сариқ нордон майда мевали, сертикан бута ва унинг меваси.

**ЧАКАС** Ов қуши кўндириладиган сим кўндюқ. *Чакас устиса қўнган лочин қанотларининг остини ва патларининг ораларини тумшуги билан қашиб турарди.* Айний, Дохунда.

**ЧАКИДА** [ф-т] айн. қорадори.

**ЧАКИДАХҲҲ** [ф-т] Қорадори истеъмол қилувчи банги. *Чакидахҳҳ мулла Содиқоҳун. тузоқларига тушадиган аҳмоқ тополмасдан, кучала еган итдек тиришқ қолдилар.* «Муштум», 1927, № 20.

**ЧАКИЛЛАМОҚ** Чак-чак томмоқ, томиб турмоқ. *Ёмғир энди тўхтаган, фақат тарновлардангина томчилар чакилларди.* А. Қаҳҳор, Уй остонадан бошланади.

**ЧАКИЛЛАТМОҚ** чакилламоқ фл. орт. н.

**ЧАКИЧ** Нонни чакичлаш учун дастали ёғоч каллакка бир текисда сим қоқиб ёки парранда патларини дасталаб боғлаб ясалган уй-рўзгор асбоби. *Сим чакич. Пат чакич. Нонга чакич урмоқ.*

**ЧАКИЧЛАМОҚ** Нонга чакич урмоқ, чакич босмоқ.

**ЧАКИЧЛАНМОҚ** чакичламоқ фл. марж. н. Чакичланган нон.

**ЧАККА** I анат. Бош суягининг ёноқлар билан пешана оралиғидаги ён қисми. *Чакка суяги. Чакка томирлари.* — *Қудрат, томоғидан овқат ўтмай, икки қўли чаккасида, ҳаёл суриб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

♦ **Чаккага тегмоқ** жонга, меъдага тегмоқ, зериктириб юбормоқ; жон-

дан тўйдирмоқ. *Жанжал чаккамга тегди.* — *Ошиқларинг кўпдир, мендай куйган йўқ, Ширин жони чаккасига теккан йўқ.* [Равшан].

**ЧАККА II** [ф-т] I Эриган қор ёки ёмғир ўтиб томдан, шипдан уйнинг ичига томаётган сув; томчи. *Томдан чакка ўтапти. Чакканинг чиқ-чиқ овози асабларни бузарди.*

2 (фақат бўлишсиз ф-да) Мутлақо, ҳеч; бир томчи ҳам, бир қатра ҳам. *Бир чакка ҳам ёғ қолмабди. Уйда ичишга чакка сув йўқ.*

**ЧАККА III** с. т. Чекка, чет.

**ЧАККА IV** [ф-т] диал. Сузма.

**ЧАККАХОНА** [ф-т] Ҳамма жойидан чакка ўтиб ётган хона, уй.

**ЧАККИ** I Дуруст, ўринли деб бўлмайдиган, ноўрун, ўринсиз; бекор, беҳуда. *Чакки гап.* || **Чакки юрмоқ.** *Шундай деб чакки ўйлабсиз.*

— *Бизнинг ишимизга ҳам бироз назар солиб қўйсангиз-чи, ахир. Дурустми, ё чаккими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отаси йўқ дея боланинг кўнелига қараб расво қилаяйсизлар, етти хуфтонга қадар юришга чакки ўрганди.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. *Бу ишинг чакки, болакай!* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Уни раисликдан чакки бекор қилибсиз.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЧАККИ II** диал. айн. чакка II.

**ЧАККИ-ЧУККИ** с. т. Бўлар-бўлмас, чакки, ноўрун. *Чакки-чукки гап.* — *Утар дунё кўп ишларни ўйлади, энди Соқи чакки-чукки сўйлади.* «Хушкелди».

**ЧАКМА** айн. чагма I.

**ЧАКМАЗАК** [ф-т] мед. Сийдик тутолмаслик, сийдик оқиб туриш касаллиги.

**ЧАКМОН** Одатда жун матадан тикиладиган эркакча узун тўн. *Жун чакмон.* — *Улар [пулдорлар] дўконларда пўстинларга, мовут чакмонларга ўралиб ўтирардилар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАКМОҚ** I с. т. Чекмоқ. *Папирос чакмоқ.*

**ЧАКМОҚ II:** чакич чакмоқ айн. чакичламоқ.

**ЧАКСА** эск. Революцияга қадар турли жойда турлича бўлган оғирлик ўлчови (мас., Фарғона областида уч чакса бир пудга тенг бўлган). *Чумчуқ семирса чакса келмас.* Мақол.

**ЧАКЧАК** Угра шаклидаги ҳамирни ёғда қовуриб, устидан асал қуйилган ширинлик. *Чакчак пиширмоқ.*

**ЧАК-ЧАК** чак с. тақр. *Чак-чак томмоқ.* — *Дераза олдида ўтириб, тарновдаги музинг чак-чак эриб томишига қулоқ солиб, ўзим ҳақимда, эртанги куним ҳақида ўйлайман.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

♦ **Бурнидан чак-чак захар томади** тили жуда ҳам ачиқ, захар одам ҳақида.

**ЧАЛА** I Маромига ёки тамомига етказилмаган, битказилмаган, тамомланмаган. *Чала уй. Чала иш.* || **Ишни чала қилмоқ.** *Сочни чала олмоқ. Чала қолмоқ.* *Ўқини чала қолдириб кетмоқ. Чала пишган гўшт.* *Бола — боланинг*

иши чала. Мақол. | Тўлиқ эмас, нотўла, ярим-ёрти. Қамбағалнинг бир тўйгани, чала бой бўлгани. Мақол. || Чаласига биз қардор. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

2 Вақтдан олдин, етилмасдан тушган, барвақт турилган. Чала бола. Чала туғилган қўйчоқ.

3 от Ёниб битмаган ёки куйиб тугамаган ўтин. Куллар кўкка учар, чўғлар кулга ботар, чалалар чўққа айланар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Уларнинг [одамларнинг] ярим юмуқ кўзлари ўчоқда биқиб, қизариб ёнаётган чалаларга тикилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Кўшма сўзлар таркибига киради, мас. чалабош, чаласавод.

**ЧАЛАБОШ** Сочи чала-чулпа олинган. Чалабош бола.

**ЧАЛАЖОН** Улар ҳолатига келган, жони чиқай деб турган, ярим тирик. Чалажон қилиб урмоқ. — Бир вақт Дубов разведкага борганда шундай бир лейтенантни чалажон ҳолда жарликдан топиб, қисмга опичиб келтирган эди. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ЧАЛАКАМ-ЧАТТИ** айн. чала-чулпа. Чалакам-чатти иш. || Раҳмонқулов.. полнинг чалакам-чатти қоқилган тахталарини ғижирлатиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. А. Мухтор, Туғлиш.

**ЧАЛАМА-ЧАККИ** айн. чала-чулпа. **ЧАЛАМУЛЛА** Ўқиб саводи тўлиқ чиқмаган мулла.

**ЧАЛАСАВОД** Тўла саводга эга бўлмаган, чала ўқиган; саводи кам. Мамарайим мадрасада ўн баҳорни ўтказиб, куз яқинлашганда у ердан чаласавод бўлиб чиқиб кетди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Чаласавод Оқилмирзо юртга додхоҳ, Елкасида банорас тўн, бошида кулоҳ. С. Абдулла.

**ЧАЛА-ЧАТТИ** айн. чала-чулпа.

**ЧАЛА-ЧУЛПА** У еридан кириб, бу еридан чиқиб ишланган, наридан-берни, у ер-бу ерини чала қолдириб қилинган. || Ишни яхши ишласанг, яхши-яхши ерсан, чала-чулпа ишласанг, қишда юпун киярсан. Мақол.

**ЧАЛА-ЯРИМ** 1 айн. чала-чулпа. Чала-ярим иш.

2 Ярим-ёрти, нотўла. Қарзини чала-ярим тўлади.

**ЧАЛАҚУРСОҚ** Ярим оч; тўйиб овқат емаган. Чалақурсоқ бўлиб қолмоқ. — Борни тежаб йўндириб, дам оч, дам чалақурсоқ бўлиб яшадик. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАЛДИВОР** с. т. Вайрона ҳолга келган ҳовли-жой. [Аваз] боғи эрамга пойи-ниёда бораёттир эди, ногоҳ йўл устида оладидан бир чалдивор чиқиб қолди. «Балогардон».

**ЧАЛДИРМОҚ** чалмоқ фл. орт. н. «Гулное» куйини чалдириб кўрди. Ун чалдирмоқ. Полвон оёғидан чалдирмайди.

**ЧАЛИНМОҚ** 1 чалмоқ фл. мажх. н. Тўйда карнай ва сурнайлар чалинди. — Теварақда чалинган довулларнинг «гум-

-гум» оҳанги ичида хўрозлар иккинчи марта қичқириб юборган эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Шу онда қаттиқ қарсақ чалинди-ю, ҳамма гуриллаб ўрнидан турди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 чалмоқ 2,3 фл. ўзл. н. Учинчи минутда Хайдар рақибини суриб бораёттиб, чалиниб, йиқилиб тушди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор, мубтало бўлмоқ. Дарда чалинмоқ. — Зах ва совуқ уйда қурт тутиб бўлмас экан. Қуртнинг касалликка чалиниб, дастага кирмай ўлиши шундан бўлар экан. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Бола бир нозик гул. Авайлаб ўстирилмаса, бирон дарда чалиниб қолиши ҳеч гап эмас. Ё. Шукуров, Уч савол.

◆ Гапга чалинмоқ гап-сўз бўлмоқ, оғизга тушмоқ. Кўзга чалинмоқ кўзга илинмоқ, кўринмоқ. Шарқ осмони анча ёришиб, одамлар кўзларга равшан чалина бошлади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Кулоққа чалинмоқ чала-чулпа эшитилмоқ. Пастдан шивир-шивир гап Жуманнинг кулоғига чалинди. А. Мухтор, Туғлиш.

**ЧАЛИНТИРМОҚ** чалинмоқ 3 фл. орт. н. Қасалга чалинтирмоқ. — Раис.. сизирларни иссиқ-совуққа чалинтириб кўймаслик учун бино ҳавосини ўрта меъёрга сақлаш керак, деб танбех берди. Х. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ЧАЛИШМОҚ** 1 чалмоқ 1, 2, 3, 5, 6, 7 фл. бирг. н. Чапак чалишиди. Овқатга занг чалишиди. — Созандалар бир тўхтаб уфор чалишиди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Юрганда, қадам ташлаганда бир-бирига урилмоқ, қоқилмоқ, чалкашмоқ (оёқ ҳақида). Оёқлари тақими-гача қорға ботар, баъзан чалишиб кетарди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 эск. Ҳаракат қилмоқ, меҳнат қилмоқ.

**ЧАЛИШОЁҚ** Оёқлари бир-бирига урилиб, тегиб юрадиган, оёғи чалишадиган. Чалишоёқ одам.

**ЧАЛИШТИРМОҚ** Оёқ ёки қўлларини бир-бирининг устига кўйиб чалкаштирмоқ. Оёқларни чалиштириб ўтирмоқ. — У оёқларини йиғиштириб олган, қўлларини чалиштириб қўйнига суққан. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЧАЛҚАШ** 1 Учини, бош-кетинни топиб бўлмайдиган, чигаллашиб кетган. Чалкаш ип. | Айқаш-уйқаш, бертартиб. Чалкаш ёғочлар.

2 Тушуниб, охирига етиб бўлмай-диган, англашилиши қийин; чигал, чатоқ-чучоқ. Чалкаш фикрлар. Чалкаш масала. — У [Раҳмонқулов] ҳозир ўзининг чалкаш ҳаёти учун бутун айбни ўша тантиқ Маҳфузага юклашга тайёр эди. А. Мухтор, Туғлиш.

**ЧАЛҚАШЛИК** 1 чалкаш с. белги оти. Йўлнинг чалкашлиги. Масаланинг чалкашлиги.

2 Чалкаш иш, нарса, масала ва ш.к. Чалкашликка йўл қўймоқ. Чалкашликка олиб бормоқ. Чалкашликни бартараф қилмоқ.

**ЧАЛҚАШМОҚ** 1 Учини, бош-кетинни топиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ, чигаллашмоқ. Чалкашган сим. | Айқаш-уйқаш бўлмоқ, айқашмоқ. Чалкашиб кетган шох-шабба.

2 Тушуниб, охирига етиб бўлмай-диган ҳолга келмоқ, чигаллашиб, чатоқ-чучоқ бўлиб кетмоқ Чалкашиб кетган иш. — Дафтарнинг varaқлари.. бошқа бир жойда лекция ўқиганда чалкашиб кетган бўлса керак, лектор лекциянинг бош-кетини тополмай, хила овора бўлди. А. Қахҳор, Нутқ.

3 кам қўлл. айн. чалишмоқ 2. Нима бўлди-ю, Мели полвоннинг оёқлари чалкашиб кетиб, пахта тўлдирилган қопдай лаланлаб йиқилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧАЛҚАШТИРМОҚ** 1 чалкашмоқ фл. орт. н. Симларни чалкаштирмоқ.

2 Адаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ. Тожбойнинг ўқшига кунти йўқ, зеҳни тўтмоқ ўқувчилардан экани биллиб қолди. Ҳарфларни ҳа деб чалкаштира берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўйма Йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ, янглиштирмоқ. Нега мени чалкаштирасан?

4 кам қўлл. айн. чалиштирмоқ. Оёқларни чалкаштириб ўтирмоқ.

**ЧАЛҚАШ-ЧУЛҚАШ** Бош-кеги йўқ, жуда чалкаш, чигал. Чалкаш-чулқаш маъломлар.

**ЧАЛМА** I Мол гўнғидан катта чамбарак қолипга солиб ясалган ёқилғи. Чалма қўймоқ. — Лой тепдим, тезак тепдим, чалма ёрдим. Ғ. Фулом.

**ЧАЛМА** II диал. айн. салла I I. Кўк ва қизил чопон кийган.. деҳқонларнинг чалма пешлари елкаларида пирпирарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЧАЛМА** III Дўппи, тўн ва ш. к.нинг четига тугиладиган энсиз жияк. Дўппи чалмаси. Тўн чалмаси.

**ЧАЛМАҚ** мажх. Чархнинг дук ўрнатиладиган айрисмон қисми.

**ЧАЛМАШМОҚ** диал. Чалкашмоқ. Али тажаннинг оёғи стулларда чалмашиб қалтиради. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ЧАЛМАШТИРИЛМОҚ** чалмаштирмоқ фл. мажх. н. [Мағмуржон] тирсақларини столга тираб, чалмаштирилган бармоқларининг устига иязини қўйди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ЧАЛМАШТИРМОҚ** чалмашмоқ фл. орт. н. [Унсин] тағига кичкина курси қўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб этил кулоч тортарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Рабиев оёқларини бир-бирига чалмаштириб ўтириб олди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ЧАЛМАҚОВОҚ** бот. Ошқовоқнинг бир нави.

**ЧАЛМОҚ** 1 Музыка асбобида бирор куй, оҳанг ижро этмоқ. Дутор чалмоқ. Барабан чалмоқ. Скрипка чал-

моқ. — Йўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва яхши чалар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Садо, овоз чиқарадиган, сигнал берадиган асбобларни ишга солмоқ. Звонко чалмоқ. Гудок чалмоқ. Ут ўчириш машинаси устма-уст сигнал чалди. | Умуман товуш, садо, овоз чиқармоқ. Чапак чалмоқ. Хуштак чалмоқ. — Ариқда сув қўнғироқ чалиб оқиб ётибди. С. Ахмад, Уфқ. У.. бармоқлари билан столи чалиб туриб гапирди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Хўқизнинг қулоғига танбур чалмоқ қ. танбур.

2 Кимсанинг оёғига ўз оёғини қўйиб, йиқитмоқ ёки йиқитишга уринмоқ. Рақибини чалиб йиқитмоқ. — Сарсенбой.. ўтиб бораётган боланинг оёғини чалади. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Жалилов Турсунбойнинг оёғидан чалди, лекин йиқитолмади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. | кўчма Оёғидан олмоқ, пайини қирқмоқ. Баъзи бировлар.. сизни чалиш учун устингиздан иғво юргизиб юрибди. И. Рахим, Ихлос.

3 Боғлаб олмоқ, боғламоқ, ўрамоқ. Эшон: «Кел этапимни белимга чалай, энгимни тирсақдан ошириб олай». «Зулфизар билан Авазхон». Номард экан чалди боғлаб қўлларим, Қиё боқмай кўз ёш томган юзимга. Ҳамза.

4 Қопламоқ, ўрамоқ. Тоғларни чалган туман, Тириклик бўлди гумон. «Хушкелди».

5 диал. Кесмоқ, қирқмоқ, йиқмоқ. Насиб этса, жаллодларга берарман, уларнинг бошини боғдай чаларман. «Рустам».

6 Қормоқ, аралаштирмоқ, қориштирмоқ. Тухум чалмоқ. — Жаннат хола шошиб, ун чалиб қуймоқ қилди. С. Ахмад, Уфқ.

7 Наридан-бери, чала-чулпа супурмоқ. У уйни супурди билан чалиб чиқди. Ҳ. Фулом, Машъал.

◆ Гап билан чалмоқ сўз билан бошламоқ. Пайти келганда Микола ilmoқдор қилиб, гап билан чалиб ташлар эди. С. Анорбоев, Дўстлар. Жин (ёки ажина, арвоҳ) чалиб кетибди с. т. жин, ажина ва ш. к.га ишонувчилар асаб касаллиги туфайли оғзи, юзи қийшайиб қолган кишига нисбатан айтадиган ибора. Фалончи одам ёнғоқ тағида ухлаб ётган экан, ажина чалиб кетибди. Ойбек, Қутлуғ қон. Касал (ёки дард) чалди касал, дард тегди, касалга йўлиқди. Узи ўлимдан қолди, худо раҳм қилди. Мана энди қизини дард чалди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Чапак чалиб колмоқ қ. чапак. Қорни ноғора чалапти ҳазил қорни оч киши ҳақида.

ЧАЛОБ диал. Сузмадан тайёрланган айронсимон овқат. Жувон.. ялапоқ ёғоч косада муздек чалоб келтирди. С. Нуоров, Шингил хикоялар.

ЧАЛОВ Бошоқли ўсимликлар оиласига мансуб, қир-адирларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик.

ЧАЛП тақл. с. Овқат чайнаганда, лой кечганда чиқадиған ва ш. к. товушлар ҳақида. Чалп этиб лойга тушмоқ.

ЧАЛПАК 1 диал. Хамирни юққа ёйиб ёғда пишириладиган овқат. Қани, қаймоқ, сарёғ, қулча, чаллак, бўғирсоқ, ёғли патирдан ол, тўйганинча е! Н. Мақсудий, Умидли бола.

2 Ҳрик, олча ва ш. к. хўл мевалар шиннисидан ёйиб қуритилган ширинлик.

◆ Чалпак бўлмоқ ёки чалпак(дек) бўлиб тушмоқ йиқилиб узала тушмоқ, чалқанчасига йиқилмоқ. Жим бўл э, бир урса чалпак бўлиб тушасан-у, кекирдак чўзишингни қара! З. Фатхуллин, Обиҳаёт. Чалпак қилмоқ иккала қўл ва оёғидан ушлаб чўзилтириб кўтармоқ. Тез юр! Ғиринг десанг, чалпак қиламиз. Ойбек, Болалик.

ЧАЛПИМОҚ Кимсани ёмонлаб гапирмоқ, гап-сўз қилмоқ. [Ҳодивой] ҳар кунни самоварга чиқиб, олдига бир чойнак кўк чойни қўйиб, ҳа деб янги раисни чалпийди. С. Ахмад, Чўл бургути. Яхшимас бировнинг орқасидан мунча чалпий! — Тўғри келса юзига ҳам чалпийверамиз! Ҳ. Назир, Виждон.

ЧАЛП-ЧАЛП чалп с. тақр. Чалп-чалп чайнамоқ.

ЧАЛП-ЧУЛП айн. чалп-чалп. Чалп-чулп лой кечмоқ.

ЧАЛЧИК Балчиқ; ифлос лойқа сув. Чалчиққа йиқилмоқ.

ЧАЛҚА: чалқа тушиб ётмоқ орқани ерга бериб, чўзилиб ётмоқ, чалқанча тушиб ётмоқ.

ЧАЛҚАЙМОҚ диал. Орқани ерга бериб чўзилиб, ясланиб ётмоқ, ялпаймоқ. Бир мушт еб, чалқайиб тушиди.

ЧАЛҚАЙТИРМОҚ чалқаймоқ фл. орт. н.

ЧАЛҚАМЧА с. т. Чалқанча(сига). ЧАЛҚАНЧА(СИГА) рвш Орқани ерга бериб, чўзилиб, осмонга қараб. Турсунбой қовжираб қолган ариққа чалқанча ётиб осмонга тикилди. С. Ахмад, Уфқ. Суюм оға палосда чалқанчасига ётиб, дўмбирасини черта бошлади. Н. Фозилов, Оқим.

ЧАЛҚИМОҚ диал. Чайқалмоқ, тебранмоқ.

ЧАЛҒИ, чалғи ўроқ Узун дастали катта ўроқ. [Усмоналининг] қўлида чалғи ҳар бир оҳангда «ширт-ширт» этиб тортилар эди. Ҳ. Умарбеков, Севгим, севгилим.

ЧАЛҒИМОҚ 1 Бирор нарсага алаҳсиб асосий иш, мавзу ва ш.к.ни унутмоқ ёки улардан четга чиқмоқ; адашмоқ. Фикр чалғиди. Гапга чалғиб иш қилиб кетибди. — Унинг икки кўзи, эс-ҳуши молларда, ҳаёли салгина чалғиса, моллар бировнинг безазорига кириб кетиб зиён етказди, балога қолади. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Янглишмоқ, адашмоқ, хатога йўл қўймоқ. — Шунга қолганда чалғибсан, Самад,— деди Сафар бўзчи. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЧАЛҒИТ Ола-була (от туси ҳақида). ЧАЛҒИТМОҚ 1 чалғимоқ фл. орт. н. Гап билан чалғитмоқ. — Ёнбошидагина гижирлаган бир эшик унинг [Холмуроднинг] ҳаёлини чалғитди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Эътиборини ўзига, четга, бошқа нарсага тортиб алдамоқ, лақиллатмоқ, нотўғри фикр туғдирмоқ. Душманни чалғитмоқ. — Бондарь гапни бошқа-томонга чалғитди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ЧАЛҒИЧИ Чалғи ўроқ билан ўрувчи; ўроқчи.

ЧАМА 1 Мўлжал, тахмин. Чамамда соат уч бўлди. Чаманга шу қовун неча кило келади? Мен беш кило чам қилдим. Кўз чам қилмоқ. Чам билан аниқламоқ. Чам сон грам. чам, тахмин билдирувчи сон. Чам олмоқ ёки чамга келтирмоқ пайт пойлаб амалга оширмоқ, қилмоқ. Али полвон билан бел олишди! Хумтар курашининг ҳадисини хўп олган экан. Мени бир неча вақт аллантириб юрди, сўнгера чамга келтириб ёнбошига олмоқчи ва ера урмақчи бўлди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Ҳлчов, меъёр, қўлам. Ҳар бир ишнинг чамаси бор, ҳар дарёнинг кемаси бор. Мақол.

ЧАМАДОН [ф-т] Кути шаклидаги, кийим-кечак солиб юриладиган йўл-рўзгор буюми. Қўл чамадон. Чарм чамадон.

ЧАМАЛАМОҚ 1 Чам билан аниқламоқ, чам қилмоқ, мўлжалламоқ; тахминлаб кўрмоқ. Кўз билан чамаламоқ. Оғирлигини чамалаб кўрмоқ. — Тунов кунни битта зеновой: «Ҳосилимни чамалаб беринг, домлажон» деб қистаб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳйлаб, мўлжал қилиб, планлаштириб қўймоқ, белгиллаб олмоқ, кўзламоқ. Кечаси бир гаплагача гаплашиб, ҳамма бўладиган гапни ўлчаб, чамалаб кўрдик. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Миразиз ўрнидан аста тураркан, томоғи қуруқчади, шунча кундан бери чамалаб қўйган гаплари ёдидан кўтарилди-кетди. С. Маҳкамов, Катта рулда.

ЧАМАЛАНМОҚ чамаламоқ фл. мажх. н. Беш йилга чамаланиб тузилган план.

ЧАМАЛАШМОҚ чамаламоқ фл. бирг. н. Ҳосилни қанча чамалашяпти?

ЧАМАЛИ Чамасидаги, чамасида бўлган. Зайнаб Қумушнинг тўйлиб етмаган гавдаси ва ўн олти ёшлар чамали ғубор етмаган хуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди. А. Қодирий, Ҳтган қушлар.

ЧАМАН 1 [ф-т] Гул кўп жой; гулзор, чаманзор, гулшан. Булбул чаманнин севар, одам ватанин. Мақол. — Қайси боғнинг гули, қайси чаманнинг булбули экан? Ҳамза. Қуз шамоли кириб чаманга Ахтаради гуллар атрини.. Уйғун. Ватан асар бўлса бир чаман, Сиз қўйнида хандон ғунчалар.



3. Диёр. **Чаман бўлиб очилмоқ** қийғос очилмоқ (гул ҳақида).

**ЧАМАН** II [ф-т] Секин юрадиган, ялқов (от ва эшак ҳақида).

**ЧАМАНДАГУЛ:** чамандагул дўппи дўппининг сергул қилиб, гулзорга ўхшатиб тикилган бир нуسخаси.

**ЧАМАНЗОР** [ф-т] Гулзор, гулхона; гулшан.

**ЧАМАНЗОРЛИК** Чаманзор жой.

**ЧАМАСИ** I рви Тахминан ...

узқликда, катталиқда; ға қадар. *Уруш чиқиши билан қурулиш бир ой чамаси тўхтаб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шоликорлик қишлоқдан бир тош чамаси нарида бўлиб, Бердибой унда ётиб ишлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кириш*. Афтидан, снѐхидан. *Йўлчи, чамаси, икки йилдан бери темирчи билан дўст.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧАМАСИДА** рви Тахминан. ... узқликда, катталиғида ва ш. к. бўлган. *Ғарам тутай бошлади. Эргашев аланга олаётган ғарамга ярим метр чамасида яқин келди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Мулла Иқром баланд бўйли, қирқ бешилар чамасида бир киши эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧАМАСИДАГИ** Чамасида бўлган; ... келадиган. *Йўлакнинг у бошидан тупна-тузук кийинган, ўн олти-ўн етти яшар чамасидаги бир бола ўқдай учиб келяпти.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ЧАМБАР** [ф-т] Ғилдирак, доира шаклидаги нарса, доира. *Руль чамбари.*

■ *Чархим бор, чамбарим бор, Мушқим бор, анбарим бор.* «Эртақлар». *Бошидаги рўмолини елкага тушириб, чамбарни боша кийди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Соқларини чамбар қилиб олган навбатчи қиз, ... қора нонларини Элмурода тутди-да, «олин» дегаддек жилмайиб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧАМБАРАҚ** [ф-т] I от Коса, товоқ ва ш.к.га нарса солиб осиб қўйиш учун симдан, новдадан ва эгилувчан материаллардан ясалган ҳалқа. *Кампир челақдаги сўтни косаларга қуйиб, чамбаракка илди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар. *Деворларга баргелардан чамбарак қилиб гуллар солинган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар.

2 *сфт* Ғилдирак, доира шаклидаги; доиравий. *Раис ҳовлига кирганда, Султонов янгидан қурилган чамбарак шийпон атрофидаги гулларни парварши қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ *Дўпписи чамбарак айн.* дўпписи яримга қ. дўппи. *Паноҳинғизда дўппини чамбарак қилиб юрибмиз, хўжайин, сизга ҳар қанча одамгарчилик қилсак арзийди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**ЧАМБАРЛАМОҚ** Чамбарчас қилиб, ўраб-чирмаб боғламоқ. *Сигирнинг арқонини қозикқа чамбарлаб қўйдим.*

**ЧАМБАРЧАС** [ф-т] I рви Ёчилиб кетмайдиган қилиб, чирмаб, мустаҳкамлаб. *Нормат унинг камарини ечиб олиб, қўл-оёғини чамбарчас қи-*

*либ боғлади-да, ўзи Варшавка йўлига югурди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *сфт*, *кўчма* Узвий, мустаҳкам, жипс (алоқа, боғланиш ҳақида). *Чамбарчас алоқа.* [Бу масалалар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир.

**ЧАН** [р] Суюқлик сақланадиган, темир белбоғлар билан маҳкамланган катта ёғоч идиш; ём. *Вино солинадиган чан.* *Тери ишланадиган чан.*

**ЧАНА** [р сани] Қишда қор йўлда сирпаниб юрадиган чанғили аравача. *Болалар чанаси.* *От қўйиладиган чана.* *Чана тортмоқ.* *Чана отмоқ.* *Чанада учмоқ.* ■ *Чананинг устида бир хизматкор билан Мансурбойнинг ўғли Фазлиддин ўтирибди.* О. Хусанов, Чўлда.

**ЧАНГ** I I Майда зарра, кукун холидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон. *Кўчанинг чанги.* *Кўмир чанги.* *Қалин чанг.* *Чанг кўтарилди.* *Кўчанинг чанги босилди.* *Чангини қоқмоқ.* *Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас.* Мақол. ■ *Хонада ўнчата эски, чанг босган парта, болалар уларнинг биридан бирига ҳатлаб, учтадан-тўрттадан сиқилишиб ўтиришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чанг ичинан ола-була моллар сузиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *бот.* Ўсимликларнинг эркак жинсий хужайралари.

◆ **Чанг кўтармоқ** (ёки **чиқармоқ**) бекорга ғалва ёки шов-шув кўтармоқ. *Подадан олдин чанг чиқармоқ.* Мақол. *Кўзига чанг сепмоқ* кўзини бўямоқ. *Мақтабда ишлаган кезларингда ҳам хатоларни хаспўйлаб кетардинг, одамларнинг кўзига чанг сепардинг.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. **Хасратидан чанг қиқади** хасрати кўп, хасрати сира тугамайди. **Чанг кўндирмаслик** (ёки **юктирмаслик**) 1) гард, доғ тегизмаслик, озода туттиш. *У кийимга чанг кўндирмайди;* 2) ўзига, номинга доғ туширмаслик, гап тегизмаслик. *Ҳақимбойвачча илондай тўлғанди.. у ўзининг ва оила аъзоларининг устига чанг кўндиришини истамас, оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Чангини чиқармоқ** с. т. 1) тез тамом қилмоқ; пок-покиза туширмоқ, еб юбормоқ, еб ташламоқ. *Боқижон бутун гавдаси билан лаганга ташланди. Ота ва ўғил, гўё баҳслашгандай, паловнинг чангини чиқаришди.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) тўзғитиб юбормоқ, дабдала қилиб ташламоқ.

**ЧАНГ** II [ф-т] I Тўрт бурчак ясси қути шаклидаги, сим торлар тортилган, қўш чўп билан уриб чалинадиган чолғу асбоби. *Чанг сабдси.* *Чанг чалмоқ.* ■ *Чойхонада дўтор, чанг.. шахмат, девор соати пайдо бўлди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

2 *Лабга қўйиб, пўлат тилини бармоқ билан туртиб нафас билан чалинадиган кичик чолғу асбоби; чанговуз.*

3 с. т. айн. зил II.

**ЧАНГ** III [ф-т] Панжа; чангал. *Эн-*

*ди қутулмайсан Рустам чангидан.* «Рустамхон». **Чанг солмоқ** 1) чангал билан ушламоқ, тутмоқ; чангал солиб хужум қилмоқ. *Қомила қизариб, журналга чанг солди, лекин Ўктам чаққонлик билан тортиб олди.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) *кўчма* тажовуз қилмоқ, қасд қилмоқ. *Ойқиз, Олимжон, Бекбўта ва Қаримлар обрўйимга чанг солмоқдалар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧАНГАК** [ф-т] I Гўшт илиш учун ёғоч, темир ва ш. к.дан ясалган панжали илмоқ, илгак. *Гўштни чангакка илмоқ.*

2 *Илгакли, панжали махсус асбоблар номи.* *Чангак билан илиб олмақ.* ■ *Шаҳарда тез-тез машқ тревогалари бўлиб туради.* *Ҳар хонадоннинг томида қум тўлатилган яшиқ, ёнида белкуррак, чангак ва қизилга бўялган челақ бор.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Чангак сим айн.** тиканли сим қ. сим I 1.

◆ **Чангак бўлмоқ** тиришиб, томирларни тортишиб қолмоқ, акашак бўлмоқ.

**ЧАНГАЛ** I [ф-т] I Панжа, чанг. *Буреут чангали.* *Айиқ чангали.* ■ *Нодир полвон.. бир марта кўтарди-ю, полвон эпчиллик қилиб унинг чангалидан чиқиб кетди.* Ж. Шарипов, Хо-разм.

2 *кўчма* Зулм, асорат, тутқунлик ва ш. к. рамзи; исканжа. *Кризис чангали.* *Улим чангали.* *Чангалига тушмоқ.* **Чангал солмоқ айн.** чанг солмоқ қ. чанг III.

3 *Сиқимга сиғарли нарса, сиқим.* *Бир чангал дон.* *Бир чангал туз.* ■ *Мулла Шамсиддин уни [Жалолхонни] кўрмади, ғалбирга қўл солиб бир чангал майиз олди — пайқамоди.* А. Қаххор, Башорат.

◆ **Пул бўлса чангалда шўрва қ. шўрва.**

**ЧАНГАЛ** II [ф-т] I Тиканли буталар, ўсимликлар. *«Бўрикамар» жилғаси.. Бу бошқа жилғалар билан туташган, икки беткайида чангаллар ўсиб ётган узун бир оралиқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* чангалзор. **ЧАНГАЛЗОР** [ф-т] Чангал қоплаган майдон, бутазор. *Бир ўқ дарахтга тегди-ю, унинг қуриган пўстлогини ишлиб кетди.* *Қутим учиб, ўзимни чангалзорга урдим.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ЧАНГАЛЗОРЛИК** айн. чангалзор. **ЧАНГАЛЛАМОҚ** Беш панжа билан, тирноқларни ишга солиб, сиқиб ушламоқ, сиқимламоқ. *Буреут қушини чангаллади.* ■ *Жапақ бир тўлғаниб кўзини юмди-да, икки қўли билан соқларини чангаллаб яна ўтирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Онам бир қўли булан мени, иккинчи қўли билан тегидеги бурғойли қопни маҳкам чангаллади.* Ойдин, Фонарь тағида.

◆ **Ер чангалламоқ** парчин бўлиб йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ. **Юрак чангалламоқ** юракни сиқмоқ, изтироб-

та солмоқ. Юрагимни чангаллаб турган бояги ғам-ғусса яна қайёққадир йўқолган эди. О. Ёқубов, Янги йил кечасида.

**ЧАНГАЛЛАТМОҚ** чангалламоқ *фл. орт. н.*

**ЧАНГАЛЛАШМОҚ** чангалламоқ *фл. бирг. н.*

**ЧАНГДОН** *бот.* Гулнинг чанг, яъни эркак жинсий хужайралари пайдо бўладиган тепа қисми.

**ЧАНГИМОҚ** Чанг, тўзон ҳолида кўтарилмоқ, чанг чиқармоқ. *Кўча чангиб кетди.* — *От чопилиб чангир майдон, Майдонларни қилар вайрон.* «Фольклор» | Чангга тўлмоқ. *Уй чангиб кетди.*

**ЧАНГИТИШ I** чангитмоқ *фл. иш оти.* Бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 қ. х. Доривор сепиш.

**ЧАНГИТИШМОҚ** чангитмоқ *фл. бирг. н.*

**ЧАНГИТМОҚ** чангимоқ *фл. орт. н.* Чангитиб уй супурмоқ. — *Шоли ортилган арава кўчани чангитиб кетган от кетидан ғижирлаб силжиди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. *Уқ визиллар, ерни чангитар, бош кўтаришининг сира иложи йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ **Чангитиб сўкмоқ** дағл. болохонадор қилиб сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ. [Расулжон] мени бирдан чангитиб сўкиб қолди. У. Назаров, Одамлар.

**ЧАНГЛАГИЧ** қ. х. I Экинларни зарарли ҳашаротлардан сақлаш учун уларга махсус доривор сепадиган асбоб.

2 Ўсимликларнинг чангланишига ёрдам берувчи воситалар (ҳашаротлар, шамол ва ш. к. ҳақида).

**ЧАНГЛАМОҚ** қ. х. I Экинларни, ўсимликни зарарли ҳашаротлардан сақлаш ёки тозалаш учун уларга чанглагич билан махсус доривор сепмоқ. *Ғўза битларини йўқ қилишда баъзан қуруқ дорини чанглаш усули қўлланади.*

2 Гулларнинг эркак ва урғочи жинсий хужайраларини бирдан иккинчисига ўтказмоқ. Асаларилар гулдан-гулга қўниш билан ўсимликларни четдан чанглайдилар. «Зоология».

**ЧАНГЛАНМОҚ I** чангламоқ *фл. мажж. н.* Чангланган ғўзалар.

2 чангламоқ 2 *фл. ўзл. н.* Ўсимликларнинг табиий ва сунъий йўллар билан чангланиши.

**ЧАНГЛАТМОҚ** чангламоқ *фл. орт. н.* Ғўзаларни чанглатмоқ. Гулларни чанглатмоқ.

**ЧАНГЛОВЧИ I** чангламоқ *фл. иш оти.*

2 айн. чанглагич 2.

**ЧАНГОВУЗ** *диал. айн. чанг II 2.* Чанговузим чаламан, ўнг қўлима оламан. Ёрим ордан келмади, туриб хайрон қоламан. «Қўшиқлар».

**ЧАНГСИМОН** Чанг-тўзонга ўх-

шан, чанг ҳолидаги. *Ушалган ой далани совуқ, хира, қандайдир чангсимон нур билан қоплаган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧАНГ-ТУПРОҚ** Тупроқ аралаш чанг, чанг ва тупроқ. *Йўлнинг аллақачон босилган чанг-тупроғи эр-хотин оёғи остида юшюққина сезилиб туради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Чанг-тупроқ яламоқ** чанг-тупроққа ботиб ишламоқ, меҳнат қилмоқ. *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, бутун оғирликларга қарамасдан жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАНГ-ТЎЗОН** Чанг ва тўзон, шамол аралаш кўтарилган ҳар хил чанг-тўзонлар. *Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булутли ҳавони тутди.* Ойбек, Навоий. *Йўлларда подалар чанг-тўзон кўтариб ўтмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЧАНГЧИ I** Чанг চালуччи созанда. **ЧАНГЧИ II** Ўсимлик гулининг уруғлантирувчи чанглари етиштирувчи қисми (эркак жинсий ин ва чангдондан иборат).

**ЧАНГ-ЧУНГ** Ҳар хил чанг, тупроқ, гард. *Кийимлари жуда эски ва тупроққа агнаган каби, чанг-чунг эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАНГ-ҒУБОР** Чанг ва ғубор, чанг ва тўзон. *Инобат... санъат гавҳарининг устидаги чанг-ғуборини артиб, унга янги жилло, янги сайқал бериб, кўшилар юрагига олиб кирарди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ЧАНДИМОҚ I** Маҳкам сириб боғламоқ, сириб қўймоқ. *Қўйиқ босмачини дарахтга чандиб боғлаб қўйибди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бундоқ қараса, бир неча қўл гранаталарини бир қилиб, бир-бирига чандияпти.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Сотиболди етаклаб келган учинчи от эгарига Миркомил чандиб боғланган эди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

2 *диал.* Чатмоқ, чатиб уламоқ, бириктирмоқ. *Қопнинг оғзини чандимоқ.*

3 Қимсани ёмонлаб гапирмоқ, ғейбат қилмоқ. *Сидиқжон бу одамлар иш вақтида ҳам шундай беғам, хушчақчақ, бир-бирини чандиб кунни билинтирмасдан ўтказиши деб йўлаган экан.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

4 Бир-бирини гап билан олмоқ, аския қилмоқ. *Кечқурун қизил чойхонада яна гурунжоннинг чўлиди... Биттаси Йўлдошжоннинг ялғовлигини чандиб аския бошласа, иккинчиси Зулфиянинг чечанлигини мақтайди.* Ғайратий, Мёнинг ёшлигим.

**ЧАНДИР I** Гўштнинг қаттиқ пай қисми. *Гўштнинг чандирини олиб ташламоқ.* || **Чандир** *ғўшт.* — *Гўшт ўрнида чандир чайнашга кимнинг тоқати бор дейсиз.* П. Мусаев, Хўрандалар ранжимасин. *Колхознинг қозони ҳар хил «жазлар»ни қабул қилолмайди, домла колхоз қозониди пишмайдиган чандир, деб яна мажлисни хахолатди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Қотма, пишиқ, чайир. *Чандир одам.* — *Ориқ, чандир бўйнидаги томирлари ўқлоғидай қабариб, сугирни базўр тўхтатди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАНДИШ I** чандимоқ *фл. иш оти.* Арқон билан чандиш.

2 Бир-бирини гап билан олиш, аскиянинг бир тури. *Келар ҳамма қўра томон, ишлар тугаб, Ўз орада ҳазил, гурунги чандиш ва гап.* Ғ. Ғуллом.

**ЧАНДИШМОҚ I** чандимоқ *фл. бирг. н.*

2 Бир-бирини чандимоқ, гап билан олмоқ. *Уйқу билан ёнғоқни пайров келтириб, Насруллони чандишавергандан кейин Маҳкам унинг тарафини олди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ЧАНДИҚ** Битган яранинг ўрни, изи. *Юзюдаги чандиқ. Қўли чандиқ одам.* — *Нима? — деди Собиржон сакраб ўрнидан туриб, Биқинидаги чандиқ тортилиб кетди, шекилли, инегаб юборди.* У. Умарбеков, Баҳор.

**ЧАНДИҚЛИ** Бирор ерида чандиғи бўлган, чандиғи бор. *Темиртош чап юзи чандиқли, бир кўзи кўр, бадқовоқ, камгап бир аскар ҳамроҳлигида йўлга чиқди.* М. Осим, Ўтрор.

**ЧАНДОЗА** *диал.* Ёнга боғлаб олиб юриладиган ҳамён.

**ЧАНДОН** [ф-т] *рвиш I* Марта, карра, мартаба. *Минг чандон яхши. У сендан ўн чандон ўтади.* — *Бу уй «Тешик қалъадан ўн чандон яхши.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қуёш нур бахш этганда табиат юз чандон барқ уриб кетади.* Х. Икромов, Нашида. *Ҳаваси минг чандон ошиб кетди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 Ҳар қанча, қанчалик. *Чувалашиб кетган фикрларини тўплагича чандон уринса ҳам, бўлмади.* — *Мирзаев рақибининг оёғини ердан узишга чандон интилса ҳам, Ражаб солдатча чандастлик қилди ва уни азот кўтариб қўйди.* Ҳ. Назир, Индамас. | *Шундай, шунча, шунчалик.* *Чандон урдик, йиқила эди.* | *Етарлича, етарли даражада.* *У пахта олмини чандон ўқиган.* | *(бўлишсиз ф. билан)* *Унча, унчалик.* *Чандон яхши эмас.*

**ЧАНОҚ I** Қўсақнинг ҳар бир хонаси. *Миллион-миллион тонна пахта ни бармоқ билан битта-битталаб чаноқдан суғурамыз.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ишит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю, ўзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноқлардай очилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бош косаси, кўз косаси ва умуман косачасимон суяклар. *Чаноқ суяги.* — *Бош чаноғимизда марказий нерв системаси бор.* «Физиология». *Ашур Мирзо китобни очди-ю, донг қотиб қолди, кўзлари чаноғидан чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кумларда ҳайвон суяклари, одам чаноқлари ётарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Тегирмоннинг дўлидан дон тушиб турадиган тарновсимон қисми.

4 диал. Чиганоқ.

**ЧАНҚАМОҚ** 1 Сувга ташна бўлмоқ, сувсамоқ. *Ош еб чанқамоқ. Ғўзалар чанқаб қолибди. Чанқаган ер. У чанқаб келган эди.* — *Бир чойнак чой йўл юриб чарчаганча ҳам, чанқаганча ҳам, зериккан бекорчиға ҳам анча ором беради.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 кўчма Эхтиёж, талаб сезмоқ; соғинмоқ, кўмсамоқ. *Чанқаб кутдим сени ёр, бир шатиפותнинг кўрмадим.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Узи ҳам дейман, Мирҳосил халқ ишига роса чанқаган экан-да!* Х. Ғулом, Машғал.

**ЧАНҚАТМОҚ** 1 чанқамоқ 1 фл. орт. н. *Иссиқ роса чанқатди.*

2 қ. х. Сувга ташна қилиб қўймоқ; сувсиратиб қўймоқ. *Ғўзани чанқатиб суғормоқ. Чанқатиб қўйилган ғўза гулларини тўкиб юборади.*

**ЧАНҚОВ** 1 чанқамоқ фл. иш оти.

2 Сувга ташналик, сувсаш. *Ҳайдарбойнинг кўримсиз чойнаклардаги куюк ва суюқ чойлари бу ердаёна жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Рустам Сайрамов чанқов босди қилгандан кейин супада ёнбошлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 кўчма Ўта даражада хоҳлаш, ташналик. — *Ишга чанқовмиз-да,— деб жавоб берди йўлчи.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАНҚОҚ** 1 Сувга ташна, сув талаб, сувсаган; сувсиратган. *Чанқоқ бола. Сувга чанқоқ ер.* — *Чанқоқ ғўзаларни сувга қондириб олач, Адолат иона ташлаб, гул тўкиб юборган ғўзаларни тирилтириш пайига туиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Зор, ташна, муштоқ, интизор. *Қўлим ишга чанқоқ. Билимга чанқоқ. Ерга чанқоқ деҳқонлар. Чанқоқ кўзлар.* — *Биз сувга серобмиз, деҳқон чанқоқ, жуда чанқоқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бондарнинг руҳи тетик, гапга чанқоқ, суҳбатга моҳиллиги кўриниб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЧАНҒАРОҚ** Ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги. *Ҳозир қизингиз уйда, чанғароқдан чиқиб кетиб бораётгани йўқ.* «Ёдгор».

◆ **Чанғароғи туши** (ёки ўйнади) инқирозга учради, синди.

**ЧАНҒИ** Қорда елиш учун оёқларга маҳкамланадиган бир жуфт узун силлиқ тахта сирпанғич. *Чанғида юрмоқ.* — *Улар [Шерали билан Қўчқор] дам олиш кунлари.. овга чиқишар... қирма-қир чанғи учишар эди.* Е. Шукуров, Яйлов тонги.

**ЧАНҒИЧИ** Чанғида учувчи, чанғи отувчи, чанғи спорти билан шуғулланувчи одам. *Бу ерда чанғичиларнинг мусобақалари тез-тез ўтказилиб туради.* М. Мирсоатов, Чимёнга марҳамат.

**ЧАП** 1 [ф-т] 1 Гавданинг юрак жой-

лашган томонидаги; сўл. *Чап қўл. Чап елка. Чап қовурга.* Гавданинг шу томониға яқин бўлган, шу томони йўналишидаги. *Чап томон. Чап чўнтак. Дарёнинг чап соҳили.* — *Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарифидаги дарича орқали уйга киримиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Гоҳ чапда, гоҳ ўнгда қулоқларни тешигувчи чинқуриқ товушлар билан чигирткалар чириллашади.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

2 кўчма Ўнг келмайдиган, тескари, ноқулай. *Йўл ҳовлимизга чап.* — *Гап пулда эмас, қизим, вақтим бўлмаяпти. Ишхонам магазинга чап.* Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

3 кўчма Кимса билан муомаласи, муносабати, мурасаси тўғри келмай қолган; зид, қарши. *У мен билан чап.* — *Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, икки ёзувчи ё икки санъаткор бир-бирига чап, бир-бири билан қирқ-пичоқ бўлиб қолишади.* Уйғун, Замон талаби. **Юлдузи чап (тушган)** бир-бирига зид, бир-бири билан чиқишмайдиган, келиша олмайдиган.

◆ **Чап бермоқ** 1) тутқич бермай, рўпара келмай, алдаб ўзини олиб қочмоқ, қочиб юрмоқ. *Яхшиликча таслим бўласанми, ё минилмаган асов байталдек бўйининга сиртмоқ тушмагунча чап бериб юраверсанми?* П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) эпчиллик билан ўзини олиб қочмоқ, қутқармоқ. *Душман ўқига чап бериб қолди. Чап ёни (ёки ёнбоши) билан турибди кимсанинг омади юришмаган, иши чаппасига кетган ёки серзарда бўлиб турган кунни шундай дейилади.* *Муҳаммад Расул ўз ичида: «бу кун бой чап ёни билан турган шекилли» деб, анча вақтгача калласини осилтириб ўтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Чап ичакка ҳам юк бўлмайди** жуда оз, овора бўлиб ейишга арзимайди (овқат ҳақида). **Чап кўз билан қарамоқ** нотекис, бошқаларга нисбатан камситиб қарамоқ. *Қолхозда ҳамма нарса бригадаларга баравар тақсимлансин.* Раис бировга ўнг кўз, бировга чап кўз билан қарамасин. Х. Ғулом, Сенга интиламан. **Йўлни чап солмоқ** тўғри йўлни қўйиб, ўзини эгри, айланма йўлга солиб, чалғитиб кетмоқ. *Зоқиржон.. йўлни чап солиб, шамолдай етиб, улардан илгарироқ қуртхонага олиб кетди.* Ғайратий, Довдираш.

**ЧАП II айн. чапп.**

**ЧАПАК** [ф-т] Кафтларнинг бир-бирига урилиши ва ундан чиқадиган товуш; қарс, қарсақ. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, саз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Олқиш, олқишлар, қарсақлар. Чапак билан қарши олинди.* — *Саҳна ишида Хомидов, Қаримов, Бўриевлар кўринадилар. Кучли чапак кўтарилди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Чапак чалмоқ** 1) олқишламоқ, табрикламоқ; 2) салб. бировнинг айбига, қилиғига кулмоқ, масхараламоқ;

3) бировнинг бахтсизлигидан, шувуф-фақиятсизлигидан хурсанд бўлмоқ.

◆ **Чапак чалиб қолмоқ** армонда қолмоқ, қуруқ қолмоқ. *Элмуроднинг.. юз ва кўзларида: «Ана олиб кетди. Сен бекорга ўпкангни қўлтиқлаб юрибсан-да. Чапак чалиб қолаберасан»,* деган маъно ўйнар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЧАПАКБОЗЛИК** Чапаклар, қарсақлар билан ифодаланган севинч, мамнуният, хурсандлик; зўр олқишлар. *[Латофат] ҳиндча қўшиқ айтганда денг, етти марта саҳнага чиқаришса бўладики, азаматлар. Тозаям чапакбозлик бўлди.* К. Маҳсумов, Муҳаббат кўшиғи.

**ЧАПАН(И)** [ф-т] Қиморбозлик, беданабозлик каби ноҳўя ишларга кўпроқ мойил бўлган, кўкрагини очиб, олифгагарчиликка зеб бериб юрадиган безоринамо, тарбиясиз, оми одам. *Оғзи бепوشна киши, хоҳлабми-хоҳламайми, катта ёшдаги кишини ҳақорат қилиб қўяди. Оқибатда ҳалиги «хўроз табиат» чапанидан ҳамма юз ўгириб кетади.* М. Исмоиллий, Одам боласи бўл. || *Араббой қанча ўқиса ҳам унинг қилиқ ва гапчилиги, юриш-туриши мактабда таълим кўрган киши эмас, балки чапани аравақини эслатиб турар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЧАПАНИЛАРЧА** айн. чапаничасига.

**ЧАПАНИЧА** рви Чапани одамларга хос бўлган; чапани одамлардай. *Чапанича гаплашмоқ.* || *Чапанича кийиниши.* — *Ешилишга қарамай чапанича юришга тақлид этган бир бола.* — *Мирзакаримбойга чой келтирар, қулоғига қистирилган қалам билан дўконинг устунига бир алиф чизиб кетар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАПАНИЧАСИГА** рви Чапани одамларга хос равишда, чапаниларча. *Қўйи белбоғ чапаничасига наст боғланган, юриши ҳам олифталарга тақлидни кўрсатар.. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАПАНЧА** айн. чапанича.

**ЧАПАРАСТА** рви Ўнг-сўл; ўнгу-сўлга. *Шоҳнинг айтганини қилиб, Лашкар кетди даста-даста, Одам тўлиб баланд-пастга, жўнаёттир чапараста.* «Алпомиш». *Муродхон дарёдай тошди, чапараста кесиб бошди.* «Муродхон». **Чапараста қилмоқ** остин-устин қилмоқ, астар-пахтасини чиқармоқ. *Қамбағалининг жони чиқиб кетди ва уни [Мирҳомидни] чапараста қилиб сўкиб ташлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЧАПАТИ** диал. Юпқа қатирма нон; лочира. *Эрталаб қорнимни тўйгазгач, битта ёки яримта нон, гоҳда иккита чапати белимга боғлаб кетардим.* И. Раҳим, Оловкор.

**ЧАПАҚАЙ** 1 Ишни чап қўл билан қиладиган. *Чапақай одам.*

2 Чап оёқдан чиққан. *Чапақай ошиқ.* 3 кўчма Ўнг келмайдиган; ноқулай, тескари, чап. *Чапақай йўл.*

◆ **Чапақай жаҳли чиқди** с. т. астойдил жаҳли чиқди, ғазаби ошди, ғазабига олди. *Болатбой ака, ўғлининг чапақай жаҳли чиқа бошлаганини кўриб, тагин ишни баттар бузиб қўймасин, деган хавотирга тушиди.* Х. Назир, Бир туп ўза.

**ЧАПДАСТ** [ф-т] Чаққон, эпчил, абжир; жуда уста. *Чапдаст қилчибоз. Чапдаст механизатор.* ■ Фуломжон икки букилиб таъзим қилди, кейин суладан ўсирилиб, чапдаст қадамлар билан юриб кетди. М. Исмоний, Фарғона т. о. *Ҳаммаёқ жимжит, қоронғи, одамларингиз чапдаст экан. Қойил қолдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАПДАСТЛИК** чапдаст с. белги оти. *Мирзаев рақибининг оёғини ердан узишга чандон интилса ҳам, Ражаб солдатча чапдастлик қилди ва уни азот кўтариб қўйди.* Х. Назир, Индамас. *Қозоқбой чапдастлиги, укувлилиги билан қурилишдагиларга ёқиб қолди.* М. Қўшоқов, Уста йнгит. *Йўлчи чапдастлик билан дастёрлик қилиб, самоварчининг жонига оро кирди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари.

**ЧАПИЛЛАМОҚ** «Чап-чап» овоз чиқармоқ; шапилламоқ. *Кўл чапиллар. Қайиқ биқинига тегиб қочар кўптириб тўлқин.* Х. Пўлат.

**ЧАПИЛЛАТМОҚ** чапилламоқ фл. орт. н. [Бектемир] қиялик остидан кўлмак сувни чапиллатиб кечиб ўтди-да, юқорига тирмашди. Ойбек, Куёш қораймас.— *Хат ёзаман, ойим яна асал юборсин,— деди у [Луқмонча] бармоғини чапиллатиб яларкан.* А. Мухтор, Туғилмиш. *Узунни нон билан қўйиш, чапиллатиб чайнаган аскарларга у нафрат билан қараб, ичида уларга ўлим тилади.* М. Осим, Ўтрор.

**ЧАПИЛМОҚ** чапимоқ фл. мажҳ. н. *Девора лой чапилган. Хина чапилган кўл.*

**ЧАПИМОҚ** I Чаплаб ёпиштирмоқ. *Башарасига бўёқ чапиб, грим қилмоқ.* 2 Чапик қилмоқ; қора сувоқ қилмоқ. *Маҳкам ака деворнинг ёриқларини чапиш билан овора.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**ЧАПИШТИРМОҚ** Иссиқ сув билан совуқ сувни аралаштириб, илиқ ҳолга келтирмоқ. *Самоварчи дарров чойнакда сув чапиштириб қуйиб юборди.* С. Ахмад, Ҳукм. — *Самовардан қумғонга сув қуйиб чапиштирдим, ташқарига чиқиб... оёқларини яхшилаб ювдим,— деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ЧАПИК** Қора сувоқ, дастлабки сувоқ. *Девор чапиғи текис чиқибди. Чапик қилмоқ.*

**ЧАПЛАМОҚ** I I Кафтига олиб уриб ёпиштирмоқ; пала-партиш, тўғри келган жойига суртмоқ; чапимоқ. *Девора лой чапламоқ.* ■ *Ғиёсиддиннинг оқ қилинишига сабаб.. яхудиий савдогарнинг дўконини тешаётганда қўлга тушиб, юзига куя чаплаб эшакка тескари миндириб бозорда сазоли қилингани бўлди.* С. Ахмад, Ҳукм.

2 *Кўчма кам қўлл. айн. чапимоқ.* **ЧАПЛАМОҚ** II Чап томонидан ёки чап бериб ўтмоқ. *Иккинчи бекатдан йўлни чаплаб, Тошлоқ дарвозаси орқали яна қаптиб Марғилонга кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЧАПЛАТМОҚ** чапламоқ I I фл. орт. н.

**ЧАПЛАШМОҚ** I I чапламоқ I фл. бирг. н. *Тирқишларга лой чаплашибди.*

2 Ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ. *Юзига чаплашган лойни кир панжаси билан артди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Бугунги кутилмаган тун Ҳасанали отани чарчатган; унинг кекса кўзлари уйку билан тамом чаплашиб олган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бир-бирига айқашиб-чалқашиб ноаниқлашмоқ (ёзув, расм ҳақида). *Хат чаплашиб кетибди.*

**ЧАПЛАШМОҚ** II чапламоқ II фл. бирг. н.

**ЧАПЛАШМОҚ** III Қаршилашиб, зидлашиб қолмоқ, тескари бўлиб қолмоқ. [Қаримийнинг] *пичини кўнглими* ни баттар ғаш қилди, чунки *Матлуба билан чаплашиб қолганимиз* рост эди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

**ЧАПЛАШТИРМОҚ** I чаплашмоқ I 3 фл. орт. н. *Чаплаштириб ёзилган хат.*

**ЧАПЛАШТИРМОҚ** II чаплашмоқ II фл. орт. н. *Икки орани бузиб, чаплаштириб қўйибсиз.*

**ЧАППА** рви Тескари, ?терс. *Отга чаппа миндиримоқ*|| *Чаппа йўл.* | Талаб этилган ёки кутилган ҳолнинг бутунлай аксича, унга бутунлай қарама-қарши, тескари. *Ҳа, энди, колхозда ишлар чаппа бўлгандан кейин танқид ҳам авж олади-да.* Уйғун, Хуррият.

**ЧАППАР** рви, диал. Қийғос, ёппасига, ялписига. *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда, Чаппар уриб гуллаган боғим, Упар эдим ватан тупроғим.* Х. Олимжон.

**ЧАППА-РОСТА** айн. чапараста.

**ЧАППАСИГА** рви Тескарисига, олди орқасига ёки остин-устин. *Машина чаппасига айланди.* | Талаб этилган ёки кутилганининг аксича, тескари томонга. *Ишининг чаппасига кетганини сезган Бўронбек «Муросайи-мадора» йўлига ўтди.* Х. Фулом, Машъал.

**ЧАП-ЧАП** I I чап I с. тақр. *Чап-чап лой кечмоқ* ■ [Валивой] *қимиздай ўткир қумрондан босиб-босиб икки косасини ишмирди, «Бай-байлаб, дўрдайган лабларини чап-чап ялади.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. *Мунча соғинтириб қўйдинг мени, гўзалим? — деди у қорабайирнинг манглайдан, кўзларидан чап-чап ўпаркан.* Х. Фулом, Машъал.

**ЧАП-ЧАП** II Юпқа, шапарақ нонинг тури. *«Пуф деса Бухорога учадиган» тахир, чап-чап нон.* Ойбек, Қутлуғ қон. || *Самандаров хуноб бўлиб бўғилса; «деҳқоннинг бошини бириктиришдан кўра, зогора ундан чап-чап*

*ёпиш осонроқ», деб кулишар эди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЧАПЯ** диал. Сут, қатиқ, сувоқ овқат солиш учун ишлатиладиган сопол идиш; хурмача.

**ЧАПГАЛАТ** [ф-т+а] диал. Шамгалат. *Кўзини чапгалат қилиб қочмоқ.*

**ЧАРАҚЛАМОҚ** Ялтирамоқ, яркирамоқ; порлаб нурланиб турмоқ. *Чарақлаган шахло кўзлар.* *Юлдузлар чарақламоқда.* ■ *Осмонни қоплаган чанг-тўзон алаққачон ғойиб бўлди, ҳаво чарақлаб очилиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кенг ҳовлининг ҳар томонида тортилган электр чироқлар чарақлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.— *Ойижон, бугун жуда яхшисиз, кўзларингиз чарақлаб турибди,— деди Баишорат.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧАРАҚЛАТМОҚ** чарақламоқ фл. орт. н. *Ёш Ҳожия олов кўзларини чарақлатиб Онахонга тикилган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧАРАҚЛАШМОҚ** кам қўлл. айн. *чақчақлашмоқ.*

**ЧАРАҚ-ЧАРАҚ** кам қўлл. айн. *жарақ-жарақ.* *Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни чарақ-чарақ санаб оладилар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАРВИ** [ф-т] Молнинг (қўй, эчки, от ва ш. к.нинг) ичаклари атрофида бўладиган ёғ; ички ёғ. *Қўй чарвиси.* || *Чарви дўлма.* ■ *Елкасига рўмол ташлаб, сағри кавушини чарви ёғи суриб ялтиратган, олтмишлардан ошган, лекин бир оз букчайган чол келиб бир рўмол нон олди.* Ф. Фулом, Шум бола. **Чарви боғламоқ** 1) семирмоқ; 2) *кўчма* боймоқ. *Е, ҳаром-харошга аралашиб юриб сен ҳам чарви боғлаб қолдингми?* Уйғун, Хуррият.

**ЧАРВОҚ** [ф-т] с. т. Чорбоғ. *Бизлар сайр этгани бордик чарвоққа Одами йўқ гул очилган овоққа.* «Равшан». *Сув келади лойланиб, Ичида ўрдак айланиб, Ер чақирса борманглар, Улсин чарвоқ айланиб.* «Қўшиқлар».

**ЧАРЛАМОҚ** I Чақирмоқ, таклиф қилмоқ. *Келсин деб чарлайди, бувишим сизни, Элчи қип юборган оймае бизни.* «Ширин билан Шакар». **Чарлаб чақирсанг ҳам келмайди** атайлаб чақирсанг ҳам келмайди (мартбаси улуғ, киборли ва ш. к. одам ҳақида).

2 *этно.* Келин ёки куёвни чарлар маросимига чақирмоқ.

**ЧАРЛАР** этн. Никоҳ тўйидан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки қудалар уйда ўтказиладиган биринчи чақирёқ. *Эрта-индин чарлар бўйли ўтса, албатта Отабек Марғилонга югуради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Келин чарлар** келиннинг ўз ота-онасиникига биринчи боришга бағишланган чақирёқ. **Куёв чарлар** куёвнинг қайната-қайнарасиникига биринчи келишига бағишланган чақирёқ. **Боғ чарлар** боғда ўтказиладиган чарлар. **Қудда чарлар** қудаларнинг биринчи чақирилиши.

**ЧАРЛАТМОҚ** чарламоқ фл. орт.

н. *Жарчиларни чарлатди, Ҳар бирига сўз қотди.* Х. Олимжон.

**ЧАРЛАШМОҚ** чарламоқ фл. бирг. н.

**ЧАРМ** [ф-т] 1 Қалин пишиқ тери, кўн. || *Чарм қайиш.* | Умуман тери. || *Чарм пальто.* — Чол бир минут гандан тўхтади. Тишсиз оғзига сув тўлдириб, чармга пуфлади, кейин чармни чўзиб-чўзиб гапга тушди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Оёқ кийимининг остки қисми, таг чарм. *Маҳси чарми. Туфли чарми. Этик чарми.*

♦ **Юзига чарм қопламоқ** номусни, инсофни, виждонни йиғштириб қўйиб иш тутмоқ, безобет бўлиб олмақ. *Гап боиласанг унга агар танқиддан, Бетига чарм қоплаб олар шу замон.* «Муштум», 1962, № 4.

**ЧАРМЛАМОҚ** Пойабзалнинг остки қисмига чарм қопламоқ, таг чарм қўймоқ. *Ботинкамни уста янгидан чармлаб берди.*

**ЧАРМЛАТМОҚ** чармламоқ фл. орт. н. *Этикни чармлатмоқ.*

**ЧАРМФУРУШ** [ф-т] эск. Чарм билан савдо қилувчи, чарм сотувчи одам.

**ЧАРОС** Ўрта пишир, юмалоқ қора узум. *Чарос кўз гўзал, қора кўз.* [Нафисанинг] чарос кўзларида шўх кулги жило қилаётган, ҳозир қаҳқаҳа уришга тайёр экани билиниб турарди. О. Ёқубов, Мирза терак.

**ЧАРОҒБОН** [ф-т] тар. 1 Кўча чироқларига қаровчи киши.

2 *Кўчма* Илм-маърифат тарқатувчи одам. *Улар [қишлоқ зиёлилари] қишлоқда билим билан бирга юксак маданият тарқатувчи чароғбонлардир.* Х. Азимов, Турмушимиз сермазмун бўлсин.

**ЧАРОҒОН** [ф-т] 1 Равшан ёритилган; ёруғ. *Чароғон кўчалар.* — *Хукумат мана шу гидростанцияни қурди-ю, ҳамманинг уйини электр билан чароғон қилди.* Н. Сафаров, Олянон Султонова. | Ёруғ, нурли, порлоқ. *Қумларда қишин-ёзин ҳаво очиқ бўлиб, кўпинча булут кўринмас, юлдузлар чароғон бўлар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *Кўчма* Ёрқин, порлоқ, равнақли. *Жаранглади Ленин сўзлари, қилиб дилни мамнун, чароғон.* Э. Раҳим. *Порлоқ, чароғон йўлимизни марксизм-ленинизм ғоялари ёритиб турибди.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 243.

**ЧАРС** 1 тақл. с. Муз, ойна, чинни каби нарсаларнинг синишидан чиқадиган товшулар ҳақида. *Ойна чарс этиб синди. Муз чарс этиб ёрилди.*

**ЧАРС** II 1 Шарт гап, тўрс, бетгачопар. [Салим] илгари бунақа чарс эмасди-ку! Уйғун, Дўстлар. *Сўрама! Қиз жуда чарс экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Асов, ёввойи табиат, хурковуч (хайвонлар, қўшлар ҳақида). *Чарс от.* — *Улар [бағзи колхоз раҳбарлари].. пахтани машинада теришдан чарс беданадек ҳуркиб юрган эди.* Й. Шам-

шаров, Довруғ. *Кўлда боқилиб семирган кўй одатда чарс бўлмаса ҳам жуда аста қадам босар.. эди.* С. Абдулла, Соялар.

**ЧАРСИЛЛАМОҚ** I «Чарс» этган овоз чиқармоқ. *Ойна чарсиллаб синди. Қуруқ ўтин чарсиллаб ёна бошлади.* — *Мунаввар чап кулогининг тагига муштми, ғўлами бир нима чарсиллаб текканида кўзи тиниб... кейин нима бўлганини билмайди.* С. Анорбоев, Мехр.

♦ **Чарсиллаган совуқ қаттиқ, қуруқ совуқ.** *Азаматлар чарсиллаган совуқда яланғоч бўлиб сойда шўнғимоқда.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧАРСИЛЛАМОҚ** II Жаҳли чиқиб, дарғазаб бўлиб одамни егудек бўлиб турмоқ. *Холмирзанинг тили қичиб келди-ю, хотинининг чарсиллаб турганини кўриб, ўзини оғирликка солди.* Х. Назар, Ўтлар туташганда.

**ЧАРСИЛЛАТМОҚ** чарсилламоқ I фл. орт. н. *Сув сачраб лампа шишани чарсиллатиб синдирди.*

**ЧАРС-ЧАРС** чарс I с. тақр. — *Э-э-х, шўрли бошим!* — *Саидғози кафти билан пешанасига чарс-чарс урди.* С. Анорбоев, Оксой.

**ЧАРС-ЧУРС** айн. чарс-чарс. *Эртасига ҳам Холниса хола чарс-чурс қилиб юрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ЧАРТИЗМ** [р<инг] сиёс. 19 асрнинг 30-40 йилларида Англия ишчиларининг сиёсий ҳуқуқ олиш ва иқтисодий аҳволни яхшилаш учун олиб борган оммавий революцион ҳаракати. *Англия пролетариати 18 асрнинг охиридаги даврдан кейин, 1830 ва 1840 йиллардаги чартизмдан кейин қайта-қайта уйғонди.* В. И. Ленин, Англияда Конституция кризиси.

**ЧАРХ** [ф-т] I Ип йиғирадиган дукли дастаки асбоб. *Бўзчиллик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. Аёли чарх йиғирса, эркаги бўз тўқийди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Уй хилжит, фақат чархнинг мажолсизлик билан ғувиллаши эшитилади, холос.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Ҳар хил асбобларнинг, қурилмаларнинг айланадиган қисми; парраги. *Тегирмон чархи.*

3 Кесувчи асбобларнинг тиғини ўтқирлайдиган, қайрайдиган асбоб. *Чархда пичоқ чархламоқ.* || *Чарх тош.*

4 *Кўчма* Гардши, айлана. *Давр чархи.* *Тарихнинг улғувор чархи.* *Чархи фалак.* — *Ғаниева гап чархини айлантириб юбориш учун: — Лаълихонни ҳам олиб келмабсиз-да,— деди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

♦ **Чарх урмоқ** 1) айланиб юрмоқ; атрофида айланмоқ. *Мана узоқда бомбалар олдин-кетин портлади. Бир зумда қора қушлар Бектемирнинг тепасида чарх ура бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ун тўртда кўрдим барқ уриб, қизлар келади чарх уриб.* М. Ала-

вия; 2) турган ерида олдинга босмай айланмоқ. *Велосипед чарх уряпти.*

**ЧАРХАК** [ф-т] I диал. айн. чамбарақ 2.

2 Ип калавалайдиган чархсимон мослама.

**ЧАРХЛАМОҚ** I Кесувчи асбобларнинг тиғини ўтқирламоқ, қайрамоқ. *Теша чархламоқ.* — *Қишда деҳқончиликка, рўзғорга керакли асбобларни товлаб, чархлаб, бағзан янгисини қилиб кун кўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бағзилари елкан амайди, кекса ошпаз чархлайди пичоқ.* Э. Раҳим.

2 *Кўчма* Устирмоқ, очмоқ, ўтқирламоқ, пешламоқ. *Ақлни чархламоқ.* — *Шоир ўзининг бутун ижоди билан совет халқининг қаҳрамонона курашини тараннум этди, қаламининг тиғини социалистик ҳаёт душманларига қарши чархлади.* К. Аҳмаджонова, Демьян Бедний.

3 *Кўчма* Қимсага қарши хезламоқ. [Нор Мастураза:] *Хола, мени кўп чархламанг-у, уврғанизни кесаберин!* *Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ЧАРХЛАНМОҚ** чархламоқ фл. ўзл. *ва мажҳ. н.* *Чархланган ўроқ.* — *Майдонда чархланур мард иродаси, Ботирга куч берар жанг шаббодаси.* Миртемир.

**ЧАРХЛАТМОҚ** чархламоқ фл. орт. н.

**ЧАРХПАЛАК** [ф-т+а] I Сув кучи билан айланиб катта ариқдан сув чиқарадиган энг қадимий қурилма; чигир. *Назокат чархпалакларнинг гириллаб айланишини, кўвачалардан новга тўқилаётган сув зарраларини энди кўраётгандек гашт билан қадам ташлар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Чархпалак аввалгидан ҳам жадал айланиб, кўвачалар даштга мўлк-кўл сув тўка бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир неча кажаваси бўлган, горизонтал ўқ атрофида айланувчи катта гилдирак тарзидаги оммавий ўйин-кулги қурилмаси.

♦ **Тарих чархпалаги** тарихнинг гардиши. *Абдуллахон марғурликка берилиб, ўзини тарих чархпалагини айлантириб тўрган ягона қаҳрамон деб гумон қиларди.* М. Осим, Элчилар. **Чархпалак бўлмоқ** 1) думбалоқ ошиб йиқилмоқ. *Алижоннинг икки оғи осмонда чархпалак бўлиб ерга тушди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш; 2) *Кўчма* алла бўлиб йиқилмоқ, ишдан тушмоқ.

**ЧАРХЧИ** I 1 Чарх ясовчи уста.

2 Кесувчи асбобларни чархловчи одам. *Қасоб чархни бундай ётқизиб ўрнатишининг боисини қидириб чархчига эҳн солди.* А. Муқимов, Ғалати одам.

**ЧАРХЧИ** II Қичик сайроқи қуш.

**ЧАРХЧИЛИК** I чархчи I с. касб оти. 2 Бозорда чархловчилар растаси. | Чархчилар маҳалласи.

**ЧАРЧАМОҚ** Мехнат, иш-ҳаракат ва ш. к. натижасида ҳорғинлик, чар-

чоқ сезмоқ; хоримоқ, толмоқ. Юриб чарчамоқ. Касалга сўз ёқмас, чарчаганга — ўйин. Мақол. Оёқ чарчаса, таёқ ярамайди. Мақол. — [Ғуломжон] бугун кунги билан тоғ қазиб қаттиқ чарчаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Икки соатлик қизиқ бир базмдан сўнг қизлар чарчадилар-да, ўйинни тўхтатдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қодировга гапиравериб жағим чарчади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧАРЧАТМОҚ** чарчамоқ фл. орт. н. Гапириб чарчатмоқ. — Кундузеи оғир иш, йўл юриш чарчатган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Отам сизларни чарчатиб қўймадим. А. Қаҳҳор, Картина.

**ЧАРЧОҚ** Чарчаганлик, хориганлик, толганлик ҳолати; хорғинлик, хордиқ, чарчаш. Чарчоқ ҳис этмоқ. Чарчоғини чиқармоқ. — Мутал аззойи-баданини чулгаб олган чарчоқни енгиб, ўрнидан турди. О. Ёқубов, Ларза. Қадим қўйишим билан чарчоқ тарқади. С. Анорбоев, Оқсой. Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган, .. оёқларидаги оғриқ билинмай қолган эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Хорғинликни ифодаловчи; хорғин. У. чарчоқ қадим ташлаб, вокзалдан эски шаҳарга жўнаркан, кимдир унинг елкасига қўлини қўйди. С. Ахмад, Хукм. Капитан Александров чарчоқ кўзларини осмондан узмай снаряд овозига қулоқ бериб турарди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон издан.

**ЧАРЧОҚЛИК** чарчоқ с. белги оти. Норқўзи Ферузанинг хорғин чехрасига, чарчоқликдан қизарган кўзларига қаради. Х. Ғулом, Сенга интиламан.

**ЧАСОВОЙ** [р] ҳарб. Қуролли соқчи. Эшик олдидаги часовой уларнинг келганини билиб қолиб ўқ узибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧАСТОТА** [р] физ. Маълум вақт ичда такрорланган ҳаракат ёки тебранишлар сони. Тебранишлар частотаси.

**ЧАСТОТАЛИ** Қандайдир частотага эга бўлган. Юқори частотали ток.

**ЧАТАНОҚ** с. т. Икки оёқнинг ораси; чот. Ола қарғанинг юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаногои йирилибди. Мақол. — От пишқириб, чатаногини кериб сувнинг эпкинини қайтариш учун бир ёнбоша тиралиб боради. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ЧАТИЛМОҚ** чатмоқ фл. мажҳ. н. Хат саккиз букланиб, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилган ва Отабекка аталган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нима бу, қандай тумор, Дўппи ичра чатилган? Ғ. Ғулом.

◆ **Қулоққа чатилмоқ** айн. **қулоққа чалинмоқ** қ. чалинмоқ. Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чатилмаган латифалар суҳбатга «ранг» бериб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧАТИР** [ф-т] Ем-хашак бўладиган ёввойи ўт.

**ЧАТИР-ЧУТУР** тақд. с. Қуруқ

Ўтиннинг ёнишидан чиқадиган говушга тақлидди билдиради. Гулханнинг чатир-чутури.

**ЧАТИШ** 1 чатмоқ фл. иш оти. Оқ ип билан чатиш.

2 Аралаш, дурагай. Чатиш қўй.  
3 Туташ, чегарадош. Қолхозларнинг ерлари чатиш.

4 Узоқ қариндош, бир оз қариндошлиги, яқинлиги бўлган, чатишган. У бизга она томондан чатиш.

**ЧАТИШМОҚ** 1 чатмоқ фл. бирг. н  
2 Дурагай бўлмоқ, дурагайлашмоқ. Чатишган моллар.

3 Туташмоқ, бир-бирига қўшилиб, бирлашиб, боғланиб кетмоқ. Буржуазияга келганда, унинг манфаатлари чоризм манфаатлари билан қўшилиб чатишиб кетган эди. «КПСС тарихи». Унинг юлдузини иссиқ қилиб турган чатишган, ингичка нозик қошларми? Шухрат, Шинели йиллар.

4 Узоқ қариндошлик муносабати билан боғланмоқ. Чатишган қариндошлар. || Бу киши чатишганим бўладилар.

**ЧАТИШТИРИШ** биол. Ҳар хил навларни чағлатиш, уруғларни қўшиш йўли билан янги нав, зот юзага келтириш. Гулларни чатиштириш. Зотли молларни чатиштириш.

**ЧАТИШТИРМОҚ** чатишмоқ 2 фл. орт. н. Жунни ярим дағал бўлган мана шу дурагайларни бирини-бири билан чатиштириб кўлайтира беришимиз керакми? С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧАТИҚ** Чатилган, чатиб қўйилган. Чатиқ қош ўсиқ ва қўшилган қош. Бу қора кўзлар мудом йиғлар чатиқ қош остида. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ЧАТМА** 1 Қаштачиликда гул тикишнинг бир усули: у ер-бу еридан белбоғчалар солиб маҳкамланган сув билан гул тикиш ва шу усулда тикилган гул. || Чатма дўппи. — Тикиши силлиқ эмас, ўеирмаси чатмага, санамаси йўрмага кундош бўлиб тургандай. Ғ. Ғулом.

2 Бир-бирига маташтирилган, қадалган. Бошқа сарбозлар милтиқларини бир жойда чатма қилиб қўйиб, кўчани сув сепиб сунурдилар. Айний, Дохунда. Янги туғилган бузоқларни ҳода чатмаларидан қўра қилиб қамаб қўйишибди. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

◆ **Чатма қош** айн. **чатиқ қош** қ. чатиқ. Чатма қошлар, тетиқ кўзлар, кенг манглай. Шайхзода.

**ЧАТМОҚ** 1 Наридан-бери, у ер-бу еридан тикниб қўймоқ, тикиб уламоқ, эпштирмоқ; кўкламоқ. — Ҳеч бўлма-са, у ер-бу еримни чатиб олай, — деди Шум бола уста Салимга. Ғ. Ғулом, Шум бола. Ҳовлида ёш жувонлар юришар, кимдир овқат пиширар, баъзи бирлари айвончага ёзилган наमत устида ҳа деб иена чатарди. Мирмуҳсин, Чўри.

2 Кўчма Бириктирмоқ, уламоқ, боғламоқ. У [инженер] миёсидаги бутун биланларини йиғштириб, бир-бири-

га чатиб кўрди. А. Мухтор, Опа-син-гиллар.

3 диал. Урмоқ, босмоқ. Чув ҳа, деди, қамчи чатди. Изгир чўлни тўзон тутди. «Алпомиш».

**ЧАТНАМОҚ** Чеккаси, лаби учиб синмоқ. | Дарз кетмоқ, ёрилмоқ. Шиша чатнаб кетди. Совуқдан қўйларни чатнаган. — У [капитан] ғишга тойганиб йиқилган экан, тўпик суюги чатнабди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Уша суҳбатни эсладим. Июнь. Тандирдек чатнаган чўл. С. Нуоров, Дурдона.

**ЧАТОҚ** 1 Чалкашиб, мураккаблашиб кетган; мужмал, чалкаш, чигал, ишкал. Чатоқ иш. || Иш чатоқ. Аҳвол чатоқ. — Тантубойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, лекин бу ўнғайсиз, чатоқ аҳволдан қутулиш учун ўзини билмасликка олди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳозир ишингни чатоқ қилайми? П. Турсун, Ўқитувчи. Иссиги баланд дебингми? Чатоқ-ку. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Нотўғри, ғалат. Чатоқ ҳисоб. || Чатоқ ҳисобламоқ. || Чатоғини топмоқ. — Аввалда бошқа сўзлаб, чиқди кейин чатоғи, Мен яхши эр десам, у бўлди шаҳар сағи. С. Абдулла. Чатоқ қилибсиз. сигирни Деҳқонбой аканинг ерига қўйиб юборган экансиз, ғўзасини пайҳон қилибди. Х. Назир, Бир туп ғўза. Чатоғини чиқармоқ чигаллаштирмоқ, оғир аҳволга солмоқ, ёмон қилмоқ.

3 Муомалага, гапга кўнмайдиган, юрмайдиган; доим ишкал иш қиладиган, ишкал чиқариб юрадиган; тиррик, қитмир. Бунни ҳайданг, қўя кўрманг! Чатоқ бир шумки. Ҳамза, Сайлов олдида. || Ҳа, чатоқлар, мундоғ учини чиқариб ҳам қўймайсизлар-а! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧАТОҚЛАШМОҚ** Чигаллашмоқ, чалкашиб, мураккаблашиб ёмон, мушкул аҳволга келмоқ, ишкал бўлмоқ. Аҳвол чатоқлашди. — Энди бу ёғини ҳеч бўйлаштирмаслик керак. Агар иш салгина чатоқлаша, бировларга масхара бўлиб қоламиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧАТОҚЛАШТИРМОҚ** чатоқлашмоқ фл. орт. н. Ишни чатоқлаштирмоқ. Муносабатларни чатоқлаштирмоқ.

**ЧАТОҚЛИК** 1 чатоқ с. белги оти. Ҳисобнинг чатоқлиги. Ишнинг чатоқлиги. Муносабатларнинг чатоқлиги.

2 Чатоқ иш, аҳвол, ишкаллик, англашилмовчилик. Орамизда оз-моз чатоқлик чиқди. — Ҳасан сўфи билан Алим бува ўзларни безовта қилаётган чатоқликларни очиқ айтайлик деса, одамларнинг кўнгли совиб кетишидан.. ҳадикларинг эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧАТОҚ-ЧУТОҚ** Жуда ҳам чатоқлашиб, чигаллашиб кетган, жуда чатоқ, чигал, ишкал. Чатоқ-чатоқ гап. Чатоқ-чатоқ ишлар.

**ЧАЧВОН** этн. Отнинг дум қилидан тўқилган, паранжи остидан бетга ту-



тиладиган тўр парда; чиммат. *Адолхон кочиб кетди, Чачвонни отиб кетди, Иснодига чидалмай, Дабаси кўчиб кетди. С. Зуннунова. Бу кўёш ёндирди, ҳок-тўзон қилди паранжи-чачвонни — қора кафанни. Уйғун.*

**ЧАШМА** [ф-т] 1 Ер остидан чиқаётган сув маънаи ва унинг суви; булок. *Зилол чашма. Чашма суви. Чашма бўйи.* — *Бир соатга хабар олгин ҳолимдан, Ювиниб чашмада тоза бўлайин.* «Рустам».

2 *кўйма айн. манба 2. Ижод чашмаси. Фан-маданият чашмаси. Илм чашмаси. Меҳр чашмаси.*

**ЧАШМАНД** [ф-т] эск. айн. чачвон. *Йўлакда Офтоб ойим кўринди. Паранжиси бошида, чашмбанди қўлида эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Хотин тўхтади ва йигитга қараб бетидаги чашмбандини қия очди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ЧАҚА** I Асосан мис, жез сингари металллардан ясалган майда, тийин пул. *Биров егани нон тополмайди, бировниқанда қозон-қозон мой қайнайди. Биров чақага зор, биров пулнинг ҳидига ётолмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.* диал. *Бир тийин. [Отабек ва Али] дастурхонни йиғиштирувчи келинчақка ўғил тилаб дуо қилгандан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Бир чақага арзимайди ҳеч нарсага арзимайди, уч пулга ҳам қиммат. Жин чақа қ. жин II. Сарик чақам йўқ сира ҳам пулим йўқ.*

2 *Оз миқдордаги ақча, пул, маблағ. Ишонмайман! Чақангиз оз, харажатга етмас. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Ариза ёздиришга чақа керак бўлади, ука! Чақангиз бўлмаса, овозгарчиликка арзимайди, уним. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Чақа қилмоқ сотмоқ, пулламоқ. Мана Барат сунурғичи! Бозордан сунурғисини чақа қилмай, яна орқалаб қайтаёттир. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЧАҚА** II 1 Кичик яра, жароҳат. *[Ғулможон] чарчаганини, чақаларининг оғриғини билмайди. Босим ишлайди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

2 *Нарсаларнинг бетида ҳосил бўлган майда мертик, ўйиқ. Машина урилиб чақа бўлди. Кетмон қақаси зговланди. Тешани чақа қилиб қўйибсиз.*

**ЧАҚА** III диал. Бола.

**ЧАҚАЛОҚ** Янги туғилган бола; гўдак. *Дадамлар бу ердан кетганларида мен чақалоқ эдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қилдир тез-тез гапирди, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб қинга-лайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЧАҚИЛМОҚ** 1 *чақмоқ I 1, 2, 3 фл. мажх. н. Чақилган ёнғоқ. — Чақилган тошлар учиб келиб [Ғулможоннинг] юзига урилди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Мен маърифатнинг бир қулиман, қулнинг меҳнатига эса пул билан ё пулга чақилдиган нарса билан ҳақ тўланмайди. М. Исмоиллий, Фар-*

ғона т. о. *Чақилган бир чақмоқ зиёсида тўдадан орқада қолган ўтинкашнинг эшаги билан парчаланган гавдаси кўринди. Айний, Қуллар.*

2 *чақмоқ I 1, 5, 6 фл. ўзл. н. Чақилиб кетган ёнғоқ. — Ғулсум куйиниб, — ўзинг биласан, деҳқоннинг бири икки бўлганми сира? Шўринг қурғур жуда чақилиб кетди. Ойбек, Нур қидириб.*

◆ **Пистони чақилган** кучи кетган, ишдан чиққан (одам ҳақида). *Сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**ЧАҚИМ** диал. Чақин, чақув.

**ЧАҚИМЧИ** Кишининг гапини бировга етказувчи, гап ташувчи, бировлар устидан махфий маълумот, хабар етказиб турувчи; туҳматчи. *Чақимчини фош қилмоқ. — Утган кечаси саройбон чақимчининг тилини кесиб ташлашибдилар, ҳеч гапиролмаётганмиш. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ЧАҚИМЧИЛИК** *чақимчи с. белги оти. [Театрда] ёлғончилик, чақимчилик, туҳматчилик, порахўрлик каби ишлар ҳажв қилинар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Раҳим қизидан ёққа туз селгандай туюқди ва: — Ҳали сенми, чақимчилик қиладиган! Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Элмурод Тожибойнинг бу кишига чақимчилик қилганини дарров фаҳмлади. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ЧАҚИН** Ут, ўт учқуни. *Кетмонларнинг чақини ятираб эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Ғафур Ғулумни ўлим ормиздан олиб кетди. Азим чинорга ноаҳоний чақин урилди. Қ. Яшин, Яловбардоримиз. Дарёнинг нариги қирғоғида чақин чақди. С. Аҳмад, Кадрлон далалар.*

**ЧАҚИР** Утқир қиррали, қиррадор. *[Шербек] сапчиб эгарга ўтирди. Тўриқнинг пўлатдай туюқлари остидан чақир тошлар сачради. С. Анорбоев, Оқсой.*

◆ **Чақир тикан(ак) қ. тиканак I. Чақир кўз айн. чағир кўз қ. чағир.**

**ЧАҚИРИЛМОҚ** *чақирмоқ I—4 фл. мажх. н. Мажлис чақирилди. Ёшлар ҳарбий хизматга чақирилди. — Учинчи кун батальон кутилмаганда олдинги позицияга чақирилди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

**ЧАҚИРИЛУВЧИ** 1 *чақирилмоқ фл. ш. оти.*

2 *ҳарб. Ҳарбий хизматга таклиф этилган киши.*

**ЧАҚИРИМ** *Метрик ўлчов система-си қабул қилинганга қадар қўлланган, 1,06 километрга тенг узунлик ўлчови. Тепалик биздан ярим чақиримча нарида бўлиб, ўнг ёни чуқур сойлик эди. А. Мухтор, Давр меннинг тақдиримда.*

**ЧАҚИРИМЛАМОҚ** *Чақирим билан ўлчамоқ, ҳисобламоқ. Чўллардан чақиримлаб эмас, бутун-бутун область ва район жойлашадиган ерларни очамиз. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ЧАҚИРИШМОҚ** *чақирмоқ I—5 фл. бирг. н. Қочаёттир бақиршиб, бир-бирини чақиршиб. «Ширин билан Шакар». Худди ўнғимда айтгандай айтди. Кўзимни очсам, тонг отиб, хўрозлар чақиршибапти. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

**ЧАҚИРИК** I *Чақирув нидоси, овози. Қалин арча орасидан келаётган.. чақирқиққа етиш учун у ҳолдан тойгунча елиб-югуришга тайёр. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 (*кўпл. ф-да*) *Партия, ҳукумат, съезд, қурултой ва ш. к. томонидан эълон қилинган мурожаат ёки шорлар. КПССнинг I Май чақирқиқлари. — Ленин партиясининг чақирқиғига «лаббай» деб, гапини очигини айтинлар! П. Турсун, Уқитувчи. | Бирор мажлис, йиғилиш ва ш. к.да кўтарилган муҳим масала юзасидан эълон қилинган даъват. Бўтабой сўзининг охирида.. чақирқиққа ўзининг тайёр эканлигини билдирди. А. Қаххор, Қўшчинор. Ленин чақирқиғи тар. 1924 йилда Ленин вафотидан сўнг, Ленинга садоқат рамзи сифатида меҳнаткашларнинг оммавий равишда коммунистик партия сафига қақирилиши, кириши. Жуда соз. Бориб дарров ариза ёз. Партия ва комсомолга Ленин чақирқиғи эълон қилинди. Бугун минглаб кишилар бу чақирқиққа ариза билан жавоб беради. П. Турсун, Уқитувчи.*

3 *Хонадонда бирор муносабат билан ўтказиладиган меҳмондорчилик, чарлар, йиғилиш ва ш. к. У уйда кичик бир чақирқиқ ўтказди. | Расмий таклиф. Бу чақирқиқ, гарчи ёмон одам томонидан эшиттирилган бўлса-да, чоллар: «Зора Содиқ аминдан кушод топсақ», деган ўй билан жадаллаб бордилар. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Чақирқиқ қоғози I) идора, муассаса ва ш. к.нинг расмий таклиф қоғози; повестка. Ҳарбий комиссариатдан келган чақирқиқ қоғози. — Рузвон холанинг яккаю-ягона ўғли Раҳматга чақирқиқ қоғози келди. Тўлқин, Йўл; 2) тўй, меҳмондорчилик ва ш. к.га таклиф этиб ёзилган қоғоз; таклифнома.*

4 (*тартб с. билан*) *Депутатларнинг галдаги состави. Бешинчи чақирқиқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси.*

**ЧАҚИРИҚХОНА** *тар. Октябрь революциясига қадар чор ҳукумати полициясининг ёки қозиларнинг сўроқхонаси.*

**ЧАҚИРЛАМОҚ** *кам қўлл. айн. шиқирламоқ. Қолхоз чойхонасида одам тиқилинч. Қаердадир чойнак қопқоқлари чақирлайди. «Муштум», 1961, № 17.*

**ЧАҚИРМОҚ** 1 *Ўз хузурига ундамоқ, чарламоқ. Имо билан чақирмоқ. Овозимни борича қўйиб чақирдим. Номини айтиб чақирмоқ. — Саломатой ойиси билан акасини чақиргани чиқиб кетди. Х. Ғулум, Машъал.*

2 *Меҳмонга, ёрдамга ёки умуман бирор иш билан таклиф, даъват қилмоқ; айтмоқ; Уйга меҳмон чақирмоқ.*

Ёрдამга чақирмоқ. Уйга врач чақирмоқ. Мен сени маслаҳат учун чақирдим. Куёв чақирди этн. куёв чарлар, куёв чақирчи. Бегимхоннинг онасикуёв чақирдижини ўтказиши билан 1939 йили Эрали ҳарбий хизматга кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Бирор нш, вазифа ва ш. к.ни адо этишга, унда қатнашишга даъват қилмоқ, ундамоқ. Мусобақага чақирмоқ. Ҳарбий хизматга чақирмоқ. — [Бўтабой] фидорона меҳнат қилишга чақирганда, мажлис аҳли гулдурас олқиш билан бу чақирқиқа ўзининг тайёр эканлигини билдирди. А. Қахҳор, Қўшчинор. [Йўлчи] кечагина ўзи нутқ сўзлаб курашга чақирган камбағалларни жалб этиши учун чопа кетди. Ойбек, Кутлуг қон. | Умуман даъват этмоқ, таклиф қилмоқ. Сафга чақирмоқ. Қийинчиликлардан қўрқмасликка чақирмоқ. | Ингилишга таклиф қилмоқ; бирор йиғин уюштирмоқ. Мажлис чақирмоқ. Курултой чақирмоқ. — УзССРнинг янги сайланган Олий Советини илгарича чақирқандаги УзССР Олий Советининг Президиуми сайловдан кейин уч ойдан кечиктирмай чақиради. «УзССР Конституцияси».

4 Буюрмоқ, бирор нарсани келтиришни сўрамоқ (ошхона, кафе ва ш. к.да). Йўлчи зерикди. Чой чақирмасдан, ташқари чиқди. Ойбек, Кутлуг қон. Ўзинг чақирдинг, ўзинг буюрдинг. Тўлайбер! А. Қахҳор, Оғайнлар.

5 Қичқирмоқ, овоз, товуш чиқариб хабар бермоқ. Гудок чақирди. — Бу орада яна бир хўроз чақириб ўтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Эшигини чақирмоқ эшик қоқмоқ, эшик тақиллатмоқ.

ЧАҚИРТИРИК Биров орқали чақирди. Хасанали бу чақиртириқдан бир нарса ҳам сезмаган, ..эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАҚИРТИРИК чақирмоқ 1—4 фл. орт. н. Биров орқали чақиртирмоқ. Хат орқали чақиртирмоқ. Ишга чақиртирмоқ. Уйга чақиртирмоқ. — Шу онда Моҳлар ойим мактабхонадаги болалар ичидан Анварни чақиртириб олди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЧАҚИРМОҚ чақирмоқ фл. орт. н. ЧАҚИЧ диал. Сақич.

ЧАҚИШМОҚ 1 чакмоқ 1 1, 2, 3, 7 фл. бирг. н. Меҳмонлар писта чақишиб ўтиришибди.

2 дағл. Жипслашиб, қапишиб қолмоқ (итлар ҳақида).

ЧАҚИК Қимсанинг устидан бировга етказиладиган махфий маълумот, хабар; тухмат. Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди. Ойбек, Кутлуг қон.

ЧАҚМАЧАҚАР с. т. Чақимчи. Билман, ҳаммасини мана бу [Юлдуз] чакмачақар айтиб берган. И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор?

ЧАҚМОҚ 1 1 Писта, бодом, ёнғоқ ва ш. к. қаттиқ пўчоқли меваларни тишлаб ёки уриб ёрмоқ. Данак чақмоқ.

— Абдушукур бодом-писта чақиб, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирарди. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Қаттиқ нарсаларни синдириб майдаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; ушатмоқ, синдирмоқ. Тош чақмоқ. Қанд чақмоқ. Тухум чақиб қўймоқ. Тош чақадиган машина. — [Абдусамод] арзон калла шўврани роса ичиб суякларини чақиб, имонини ютиб, бақалоқ бўйли қолди. Ойбек, Навоий.

3 Бир-бирига уриб, суртиб олов чиқармоқ, ёндирмоқ; ёқмоқ. Чақмоқ тош чақиб ўт ёқмоқ. — Камол ака гугурт чақиб папирос тутатди. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

4 Тишлаб ёки найзасини санчиб огритмоқ, яра қилмоқ ёки заҳар солмоқ, заҳарламоқ (илон, чаён, ари ва ш. к. газандалар ҳақида). Илон чаққан ола арқондан қўрқар. Мақол.

— Эшон.. бирдан сўна чаққан отда тиширичлаб, ўзини орқага ташлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Илон қаттиқ чаққан, жон томиридан тишлаган эди М. Исмоилий, Фарғона т. о. | кўчма Аччиқ-аччиқ гап билан узиб олмоқ, ачитмоқ, заҳарини сочмоқ. Хола меҳмонларга такаллуф кўрсатиб, орасида Миробидни ҳам чақиб оларди. В. Гофуров, Вафодор. [Ҳайдар] бебурд, ёлғончи қизни шу тонда аччиқ, аламли сўзлар билан чақиб олгиси.. юзларига кучининг борича тарсаки солиб юборгиси келди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

5 кўчма Чақа қилмоқ (қ. чақа II 2). Яланг оёқ юриб кўрсам, шағал бармоқларимни чақиб ташлади. Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

6 кўчма Уринтирмоқ, чарчатиб, эзиб қўймоқ. Ермат нонни ушатиб, дастлаб Йўлчига чой узатди ва жиддий тус билан деди: — Ичинг пир ургани шу. Кишини чақиб қўяди. Ойбек, Кутлуг қон. Элчи Муҳаммадалини йўл чақиб қўйсан, бир неча кундан бери ўз меҳмонхонасида дам олиб ётар эди. М. Осим, Элчилар.

7 кўчма Чақимчилик қилмоқ, ғаламслик қилмоқ, гап ташиб ғийбат қилмоқ. Хотинингизни менга танитиб қўйинг, бир бошлаб сизни чақиб берай. Ойдин, Икки кўзи шунда. Қим сизга шундай деб, чаққан бўлса, бекор айтибди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

◆ Мағзини чақмоқ қ. мағиз I 3. Пулга чақмоқ пулга айлантирмоқ, қиммати-ни пул билан белгиламоқ. Ёлғиз шу уруғнинг ўзидан ўн беш тоннага яқин ёғ олинар эди. Буни пулга чаққудек бўлса, икки юз минг сўмдан ошиб кетади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Пули чақади с. т. нархи оғирлик қилади, жуда қиммат.

ЧАҚМОҚ II: чақмоқ қанд тўртбурчак шаклида ишлаб чиқарилган қанднинг ҳар бир бўлағи.

ЧАҚМОҚ III I Атмосферавий электр заряди; яшин. Чақмоқ чакди чақмоқ ялт этиб кўринди, чақнади. Момақалди роқ тобора яқинроқда гулдираб,

яқинроқда чақмоқ чақар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Учқун, ўт. Ғазаб чақмоғи. — Нуриддин, Солиҳ Жамил ва ўзгалардан шундай хатлар олаётирменки, ҳар сўзидан ғазаб ва нафрат чақмоғи учеди. Ойбек, Нур қидириб. Уларнинг мурувват ва саховат либосига бурканган бу ҳаракатлари келажакдаги чақмоқларнинг бир учқуни эди, холос. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧАҚМОҚ IV с. т. Ўт олдириш, ёқиш асбоби; заживалка. Папирос чекиш учун олиб юрган чақмоғидан бошқа ёруғ берадиган бир нарса йўқ. Ойдин, Мардлик—мангулик. Қиши Отабекни ўтқизақ, тоқчадан сопол ласан билан қовуқни олиб чақмоқ суртди. Шам ёқилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ Чақмоқ тош бир-бирига ёки темир парчасига урганда ўт чиқарадиган қаттиқ тош. [Умурзоқ ота] гугурт бўлмаганидан, чақмоқ тошдан ўт чиқариб, пиликни учқун олдириди. Ҳ. Фулом, Маъшбал.

ЧАҚМОҚ V: чақмоқ телпак тепаси духобадан, жияғи тулки, сувсар ёки қундуз мўйнасидан тикилган қимматбаҳо телпак. Раис буғун байрамларда, тўй-ҳашамларда киядиган чарм пальто ва чақмоқ телпак кийиб олган эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЧАҚМОҚДАЙ, -дек I Худди чақмоқ сингари; яшиндай. Кўзлари чақмоқдай ёниб турибди. Чақмоқдай тез.

2 кўчма Шай ва озода, ясанган. Чақмоқдай қиз. — Кийим-бошларингни чақмоқдай қилиб қўйман,— деди Шум бола билан Омонга бой. Ф. Фулом, Шум бола.

ЧАҚМОҚИ: чақмоқи телпак айн. чақмоқ телпак қ. чақмоқ V.— Эртаю кеч ўт олдидан жилмайсан, гуппи билан чақмоқи телпакнинг ҳам кераги бўлмайди,— деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

ЧАҚМОҚЛАМОҚ I Синдирмоқ, ушатмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ, чақмоқ (қанд, тош ва ш. к.ни). Қандни чақмоқламоқ.

2 Қовун-тарвузнинг ширинлигини, мазасини билиш учун озгина кесиб олмоқ, намуна кесмоқ. Қовунни чақмоқлаб кўрмоқ. Тарвузни чақмоқлаб сотмоқ.

ЧАҚМОҚЛАТМОҚ чақмоқламоқ фл. орт. н.

ЧАҚНАМОҚ 1 Чақмоқдай ялт этиб ёнмоқ, ёрқин нур, олов учқунлари сочмоқ. Ўт чақнади. Гугурт чақнади. Чақмоқ чақнади. — Бу чироқлар турди-туман эди: уларнинг ичида каттаси ҳам, кичиги ҳам, чақнаб тургани ҳам, хираси ҳам, оқи ҳам, қизғиш тусдагиси ҳам бор эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Ярқирамоқ, ялт-ялт товланмоқ. Туянинг бошидаги, қулоқлари остидаги, бўйнидаги қизил ранг популяр қўшида гулдай чақнади. Ойбек, Нур қидириб.

2 Ёриб кетмоқ, яшинамоқ. [Қоми] тимирскилаб электрни ёқиб юборди.

Ясоғлиқ хона чақнаб кетди. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 кўчма Ёрқин намоён бўлмоқ, ёнмоқ, порламоқ. Умид учқунлари чақнади. — Фуломжоннинг кўзлари чақнади. Юраги қаттиқ дупурлаб урди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Гул-гул очилмоқ, гулдай яшнамоқ. Кўни кеча чақнаб юрган қиз ҳозир рангсиз, паришонхотир, соядек доддир бўлиб қолган эди. А. Мухтор, Тугилиш. Гулчехра.. айни балогатга етган пайти, чақнаб турибди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Машинадан чақнаб Қандолатхон чиқиб келди. Мирмуҳсин, Фельан кучсизлик.

**ЧАҚНАТМОҚ** чақнамоқ 1, 2, 3 фл. орт. н.— Катта ўйлаясан, оғайни, —кўзларини чақнатиб ўқтира кетди Хамроили. Ш. Фуломов, Ташаббус. Ботатган одибот дарахт бареларини чўғдек чақнатарди. С. Аҳмад, Уфқ. Камчин уриб ўчиб кетдилар. Ут чақнатиб от тўғидан. Э. Раҳим.

**ЧАҚНОҚ** Чақнаб, ёниб турган; нурли, ёрқин. Мирхўсал .. жуда узоқ кўринган кул ранг осмондаги чақноқ юлдузларни кўздан кечирди. Х. Фулом, Сенга интиламан. | Порлаб, ёниб турган, порлоқ. Ботир йиғирма уч ёшларда бўлиб, табиатан шўх, ичида гап сақламайдиган йиғит эди. Унинг кўзлари ҳам ўзига ўйиш ўт, чақноқ эди. И. Раҳим, Ихлос.

**ЧАҚОНҒИЧ** диал. Чаёнўт.

**ЧАҚТИРМОҚ** чақмоқ 1 1—4, 7 фл. орт. н. Ёнғоқ чақтирмоқ. Тош чақтирмоқ.

**ЧАҚУВ** айн. чақик.

**ЧАҚЧАЙИШМОҚ** чақчаймоқ 1 фл. бирг. н. Бир-бирига чақчайишмоқ.

**ЧАҚЧАЙМА** Катта очилган, чақчайган (кўз ҳақида).

**ЧАҚЧАЙМОҚ** 1 Кўзини катта очиб, ола-кула қилиб қарамоқ; бақраймоқ, ўқраймоқ. Чақчайиб турган Шамси «Э, сизнинг нима ишингиз бор, ишингиз бўлмасин!» деган эди. Мирмуҳсин, Чинқиш.

2 Катта очилмоқ (кўз ҳақида). Чақчайма, Адолат! Чақчайган кўзларинг эримнинг бошини еди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мадаминнинг кўзлари бой-ўғлининг кўзларидек чақчайди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЧАҚЧАЙТИРМОҚ** чақчаймоқ 2 фл. орт. н. Саройдан кўзларини пиёладай-пиёладай чақчайтирган бир от шаталоқ отиб чиқиб, .. қоронғиликда ғойиб бўлди. Ойбек, Кўёш қораймас. Қорабой .. укки кўзларини баттар чақчайтириб .. суюнчига нима берасанлар, деди. Х. Назир, Бир туп ғўза.

**ЧАҚЧАҚ**: чақчақ уриб хушчақчақлик билан; овозини баралла қўйиб (кулиб ёки гапириб). Бир кун отам чақчақ уриб кириб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир тарафда гуллар очилиб, булбуллар.. чақчақ уриб сайраб турибди. «Елгор».

**ЧАҚЧАҚЛАМОҚ** 1 Чақчақ урмоқ, хушчақчақлик билан, овозини ба-

ралла қўйиб гапирмоқ, кулмоқ ёки сайрамоқ. Ёдингда борми, никоҳ куним мен кулиб, чақчақлаб аравага миндим. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўчма Порламоқ, равшан кўринмоқ, чарақламоқ. Кўз қўёши кўкда чақчақлаб кулиб турибди. А. Мухиддин, Чап чўнтак.

**ЧАҚЧАҚЛАШМОҚ** Хушчақчақ суҳбат қурмоқ, суҳбат билан хушчақчақ вақт ўтказмоқ. Аёллар ниманидир эслаб бўлса керак, чақчақлашиб кулишди. П. Турсун, Уқитувчи. Хамроҳлар дилкаш экан, йўл-йўлакай чақчақлашиб кетди. А. Шермухамедов, Ут-ўланлар водийси.

**ЧАҚЧАҚЧИ** Кишиларнинг вақтини хуш қилиб кулдирувчи; қизиқчи. Хазилкаш, чақчақчи, ҳар ерда одамларни кулдириб юрадиган кишиларни қизиқчи ёки ширинкор дейдилар. М. Қодиров, Халқ актёрлари.

**ЧАҚҚОН** Ишни тез ва ўрнига қўйиб бажарадиган; эпчил, чапдаст, тез. Чаққон йиғит. || Чаққон юрмоқ. Чаққон жавоб бермоқ. — Разведкага иена тешигидан ўтадиган эпчил, дарёдан ҳатлайдиган чаққон киши керак. Шухрат, Шинелли йиллар. Майна ўрнидан чаққон турди-да, бошидаги рўмонини ҳилпиратганча кийикдай югуриб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Сабоғинг ҳам қолмасин, Бўла қол, жоним, чаққон. Қ. Мухаммадий. **Оёғи** (ёки **оёқ-қўли**) чаққон жуда чаққон, жуда тез иш қиладиган. | Бирор ишга чечан, уста. Тилда қанча чаққон бўлса, оёқда ҳам қолимайдиган Асад қори бир зумда дастурхон солди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Бозори чаққон қ. бозор** 2.

**ЧАҚҚОНЛАТМОҚ** Тезлашмоқ, жадаллатмоқ, жадаллаштирмоқ. Оёқни чаққонлатмоқ. Ишни чаққонлатмоқ.

**ЧАҚҚОНЛАШМОҚ** Жадаллашмоқ, илдамлашмоқ; тезлашмоқ. Оёғи чаққонлашди. Иши чаққонлашиб қолди. — Эртага икки «универсал» келади, — деди Қодир ака, от ўстида бир оз қаддини ростлаб, — ишларимиз анча чаққонлашади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧАҚҚОНЛИК** чаққон с. белги оти. [Ёрмат] ғоят чаққонлик кўрсатиб, қаттиқ зарб билан Салимнинг кўкрагига пичоқ урди. Ойбек, Қутлуг қон. Агар Раҳим чаққонлик қилиб «Тарзан»ни тутиб қолмаганда, иш пачава бўлиши турган гап эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ёшлик, куч, чаққонлик ва ғўзаллик байрами бундан чорак аср илгари биринчи марта ўтказилган эди. «С. Ўзбекистони», 1964, 8 август.

**ЧАҒАЛАЙ** диал. Ёввойи кўл қушининг бир тури.

**ЧАҒИЛЛАМОҚ** айн. чағирламоқ. **ЧАҒИЛЛАШМОҚ** чағилламоқ фл. бирг. н. Осмонда бир тўда қушлар чағиллашиб ўтиб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ЧАҒИР** эск. Май, шароб. Ҳар бир

зиёфатда чағир ичилавермас, чағир базми сийрак бўларди. Ойбек, Навоий.

◆ **Чағир кўз** ола-була, кул ранг кўз. Нодиржоннинг чағир кўзлари аланг-жаланг қилиб қолади. А. Мухиддин, Чап чўнтак.

**ЧАҒИРЛАМОҚ** «Чағ-чуғ» овоз чиқармоқ, чуғурлашмоқ (зағча, қарга каби қушлар ҳақида).

**ЧАҒИРЛАТМОҚ** чағирламоқ фл. орт. н.

**ЧАҒИРЛАШМОҚ** 1 чағирламоқ фл. бирг. н.

2 кўчма Шовқин солиб, бири олиб-бири қўйиб гаплашмоқ, чуғурлашмоқ.

**ЧАҒИР-ЧУҒУР** тақл. с. 1 Қушларнинг барабар сайрашидан, чуғурлашидан чиқадиган бетартиб овози ҳақида. Аллақадердан учиб келган қушларнинг чағир-чуғур сайрашигина эшитилди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 кўчма Бетартиб, бақриб-чақириб сўзлашув, олағовур суҳбат ҳақида. Қизлар бир-бирларига гап бермай чағир-чуғур билан ошакталана бошладилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧАҒИРҚАНОТ** Ўрдаклар кенжа оиласига мансуб бир турли ёввойи ўрдак.

**ЧАҒ-ЧАҒ** тақл. с. Зағча, қарга сингари қушларнинг овози ҳақида.

**ЧАҒЧАҒЛАМОҚ** «Чағ-чағ» овоз чиқармоқ. Ёнимдан чағчағлаб ўтган эй тўрғай. Севинчимни куйлаб уч яна баланд. Х. Пўлат.

**ЧАҒ-ЧУҒ** айн. чағ-чағ. Тут шохларида чуғурлашаётган паррандаларнинг чағ-чуғи ҳам, кўнадан ўтаётган оғир араванинг фикирлаши ҳам Вера учун ёқимли эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЧЕ** «Ч» харфининг номи.

**ЧЕВАР** 1 Қийим-бош ёки кашта тикишга уста аёл, моҳир тикувчи. Қизнинг бошини банд қилиб келаманда, кийим-кечакни чевара элатиб бераман, тўйгача битта-битта тика беради. С. Аҳмад, Қадрон даладар.

2 кўчма Уз ишининг моҳири, устаси; удадуро. || Чевар теримчи. — Баракалла, чеварим, Балли, ҳимматли қазим, — деб Нор ота сўзини Завқлашиб тугатди. Қ. Мухаммадий.

**ЧЕВАРА** Эваранинг фарзанди — ўғли ёки қизи (катта бобога, бувига нисбатан).

**ЧЕВАРЛИК** 1 чевар 1 с. касб оти. У кўпроқ чеварлик қиларди. Ж. Шарипов, Саодат.

2 чевар 2 с. белги оти. Унинг [Жамиланинг] озодалиги, хусн жамоли, пазанда, чеварлиги ҳамманинг оғзига тушиб кетган. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЧЕГА** 1 Чинни асбобларнинг синигини улаш учун ишлатиладиган иккала уч қайрилган металл миҳча. Чега тушган коса. Тиришганинг тўқмоғи тошга чега қоқади. Мақол.

2 Идишларнинг шундай миҳчалар билан уланган, чегаланган ери. Пиёланинг чегасидан сув сирқияпти.

3 Ёғоч миҳ.

**ЧЕГАЛАМОҚ** Сиянган чинни идиш-асобларни чега билан уламоқ, бутунламоқ. *Ерга тушиб синган пиёлани чегабала ямалади, лекин бари бир пиёлада синикнинг изи қолади-да.* К. Мухаммадий, Кетидан говға чиқди.

**ЧЕГАЛАНМОҚ** чегаламоқ *фл. мажх. н.* Чегаланган чойнак. ■ Самоварчи тоғорага қайноқ сув қуйиб, жўмрагига жез қопланган чойнакларни, чега-ланавериб ола-пес бўлиб кетган пиёлаларни юваётган эди. С. Ахмад, Уфқ.

**ЧЕГАЛАТМОҚ** чегаламоқ *фл. орт. н.* Чойнакни чега-латмоқ.

**ЧЕГАРА** I Бир-бирига қўшни, ёндош бўлган область, район, участка, территория орасидаги ҳад, бўлиниш, ажралиш чизиғи. *Қолхоз чегараси. Район чегараси. Участки чегараси.* ■ Энди Қорабулоқ чегарасидаги доводан ўтиб олишса, у ёғи осон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. I Қўшни давлатлар территориясини ёки улар орасидаги денгиз, дарё, ҳаво доирасини кўрсатувчи ҳад, чизиқ; худуд. *Давлат чегараси. Чегара соқчиси.* ■ Сен ухлайсан, аммо Марғилон Сенга атаб тўғийди шоҳи, Чегарада бедордир посдон, Бахтинг асрар сезгир нигоҳи. Ё. Мирза.

2 кўчма Чек, меъёр, ўлчов, доира. *Одоб чегараси.* ■ Юз центнер бизга норма қилиб берилган эмас, астойдил меҳнат қилинса, ҳосилда чегара бўлмайди, ўғлим! Туйғун, Бу боғлар меники.— Раиқ чегарасидан чиқиб кетса,— деди Давронов,— бундан Ғозилар фойдаланади, Хайдарвой. И. Раҳим, Ихлос.

**ЧЕГАРАДОШ** Умумий чегарага эга бўлган, ёнма-ён жойлашган; қўшни. *Чегарадош давлатлар. Чегарадош совхозлар.* ■ Мирзакаримбой .. одамларнинг ерларини — агар уларнинг ерлари ўз ерларига чегарадош бўлса — ўзиникига қўйиши учун .. ҳар қандай номус ва адолатнинг бетига тупураб эди. Ойбек, Кутлур қон.

**ЧЕГАРАЛАМОҚ** I Икки орани, чегарани белгиламоқ; чегара билан ажратмоқ. *Давлатларни чегараламоқ. Совхоз ери билан колхоз ери чегаралаб олинди.*

2 кўчма Белгили талаб, норма, меъёр ва ш.к. билан чекламоқ, чек қўймоқ. *Ҳақ-хуқуқини чегараламоқ. Таъсир доирасини чегараламоқ.* ■ Гражданларнинг ирқи ва миллатига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри .. бирор йўсинда чегаралаб қўювчи шахслар қонунга мувофиқ жазоланади. «УзССР Конституцияси». Шунинг учун ҳам сени чегаралаб қўймоқчи. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧЕГАРАЛАНМОҚ** I чегараламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.* Қолхозимизнинг бир томони канал билан чегараланган.

2 кўчма Чекланмоқ, кифояланмоқ. *Тавсия этилган адабиёт билан чегараланмоқ.*

**ЧЕГАРАЛИ** I Белгили чегара би-

лан ўралган, чегараси бўлган, маълум чегара доирасидаги.

2 кўчма Маълум талаб, норма, меъёр ва ш. к. билан чекланган; чекли, ўлчовли; ҳисобли. *Николиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди: ўқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ЧЕГАРАСИЗ** I Белгили чегараси йўқ, маълум чегара билан ажратилмаган.

2 кўчма Чекланмаган, ҳеч қандай чек, чегара қўйилмаган ёки қўйиб бўлмайдиган, чеки, чеки-чегараси йўқ; чексиз, битмас-туганмас, бенихосия. *Чегарасиз орзулар.* ■ Унинг [эшоннинг] хизмат ҳақи чегарасиз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧЕГАРАЧИ** Давлат чегараларини муҳофаза қилувчи харбий хизматчи; чегара хизматчиси, соқчиси.

**ЧЕГАЧИ** Сиянган чинни, сопол идишларни чегаловчи, чега қилувчи. *Эски Жўвада хангома кўп. Бир томонда синиқ чинчилар ямоқчиси — чегачилар ғув-ғуви авжда. Ойбек, Болалик.*

**ЧЕГИРИЛМОҚ** чегирмоқ *фл. мажх. н.* Иш ҳақидан чегирилган солиқ.

**ЧЕГИРМА** Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш. к.дан чегириб олинган қисм, ҳисса. *Қолхознинг бўлинмас фонди учун белгиланган чегирма.*

**ЧЕГИРМОҚ** Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш. к.дан маълум қисмни чиқариб ташламоқ, ушлаб, тутиб қолмоқ. *Иш ҳақидан қарзини чегирмоқ. Оғирлигидан намлик учун 5% чегирмоқ.* ■ — [Стенли] ярим пулини чегириб қолиб, ўрнига қуруқ қоғоз беради.— деди Диб. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ЧЕК** I I Давомли нарса ёки ҳодисаларнинг энг сўнги чегараси, охириг нуқтаси, ниҳоси, поёни. *Йўлнинг чеки. Чеки йўқ дашт. || Чек нуқта. Чек йўл.* ■ Ўз ерининг чекларига Босиб тикан. Ғ. Гулом.

2 кўчма Йўл қўйилиши мумкин бўлган чегара; норма. *Ҳар нарсанинг чеки бор. Чекдан чиқмоқ. Доноликнинг чеки йўқ. Мақол.* ■ Пиллачи аёллар ва ўқувчилар қувончининг чеки йўқ. Негаки, уларнинг меҳнати яхши натижа берди. Э. Охунова, Пиллачилар. Улар ҳаммаси хонга ўз дардларини изҳор қилиб, зилмега чек қўйишни талаб қилмоқчи эдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЧЕК** II [ф-т] I Ҳисса, улуш. *Ўз чекинни олмоқ.*

2 Тақдир, қисмат, пешана. *Чекинга тушса чекчайма. Мақол.* ■ — Энди ишунга қилиб юра берасизми? — деди Зулайҳо.— Чекима тушгани шу экан-да. П. Қодиров, Қадрим. **Чек ташламоқ** қуръа ташламоқ, қуръа ташлаб бахт синамоқ, ўз чекига тушганини аниқламоқ.

**ЧЕК** III [р] *фин.* Молия ишларида пул олинш, топшириш учун ёки савдосотикда харидор тўлаган пул ба-робарига бериладиган ҳужжат. *Чек*

*билан пул олмоқ.* ■ *Ҳамма пул пахтакорларда экан деб қўйдим. Нимани кўрса, нархини сўрамай чек ёздиради.* И. Раҳим, Ҳилола.

**ЧЕК** IV Ажратилган ер, ер участкаси. *Шаҳардан чиқиб, катта-кичик қишлоқларни, майда-йирик чекларни кесиб ўтган чанг-тупроқ йўлда .. Ҳожи хола ёшига жувон билан.. боради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЧЕКА** с. т. Чет, чекка. *Чекага чиқ!* ■ [Командир] бир чекадан пулемётга чақирди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЧЕКА** [р] (Ч — катта) *тар.* Совет давлатининг дастлабки йилларида (1918—1922) давлат хавфсизлиги ва халқ манфаатларини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун тузилган Фавқулодда комиссия. [Муҳаррир:] Ахборингиз учун Чека ўша вақтларда боқимсиз болалар устидан ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган эди. А. Қаххор, Сароб.

**ЧЕКАНКА** [р] қ. х. Ғўзанинг учларини қирқиш, узиш, чилпиш. [Ғанижон:] Кеча далада қунонам чеканка қиялптики, бамисоли уста сартарош ғўзани попаратка қиялпти дейсиз. С. Ахмад, Қадрдон даладар.

**ЧЕКАНКАЧИ** қ. х. Ғўзани чеканка қилувчи мутахассис колхозчи.

**ЧЕКИЛМОҚ** чекмоқ *фл. мажх. н.* *Чиллим чекилмасин!* ■ Тош омоннинг тиши шаклига кирганда, полвон кўриб маъқуллади ва қиёмни шу тошнинг чекилган қисмига суртишни буюрди. А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

**ЧЕКИМ** Бир марта чекиладиган, бир чекишга етарли, бир чекишли. *Бир чеким нос.* ■ *Бахтли одамлар халтачаларида кўз қорачиғидай сақлаган бир чеким, ярим чеким махоркаларини ўрай бошладилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Рўза тутдим ош учун, Ушибу қалам қош учун, Рўзасини сотаман Бирор чеким нос учун. Ҳамза.*

**ЧЕКИМЛИК** Чекиладиган нарса (махорка, папирос, сигарета, наша ва ш. к.)

**ЧЕКИНДИ** Чекиб ташланган ёки чекиб тамомланмаган папирос, сигарет ва ш. к. қолдиғи. *Гукурт чўпи ва махорка чекиндиларига диққат билан қаради. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ЧЕКИНИШ** чекинмоқ *фл. иш оти.* *Ниҳоят ярим кечага борганда душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Дўстларим, охириг нафасгача! Чекиниш йўқ!* Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши.

◆ **Лирик чекиниш ад.** бирор мақсадда асосий темадан четга чиқиш.

**ЧЕКИНМОҚ** I Орқага тисарилмоқ, тисланмоқ. *Хотин ноз билан чекинди.* С. Ахмад, Ҳукм.

2 ҳарб. Душман ҳужуми натижасида илгариги позицияларни ташлаб орқага кетишга мажбур бўлмоқ, орқага жылмоқ. *Душман тепадан жанг билан чекинаркан, муаллим яна ҳам-*

мадан олдинда ўтга кириб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *қўчма* Қайтмоқ, воз кечмоқ. Ойқиз ҳам ўз фикридан асло чекинмай, қатъий тураверди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *қўчма* Ўтмоқ, тугамоқ. Қишининг сўнги кунлари аста-секин чекинмоқда эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Тонг қоронғиси чекиниб, атроф ёриша бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал.

5 *қўчма* Четга чиқмоқ. Қондадан чекинмоқ.

**ЧЕКИНТИРМОҚ** чекинмоқ *фл. орт. н.* Душманни чекинтирмоқ. ■ Каттакўла магистрал коллекторини ҳамкорликда қурдик, захни биргалишиб чекинтирдик. Х. Муродов, Жон қўшни.

**ЧЕКЙСТ** [р] Фавқулодда комиссия—ЧК (Чека) ходими. Тошкентда менга учра. Сени шогирд қилиб оламан. Чекист бўласан. Хўпми? Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЧЕКИШМОҚ** чекмоқ *фл. бирг. н.* Улар сигарет чекишмоқда. ■ Районда бўлган гап-сўзлар эртасигаёқ қишлоққа тарқалди. Одамлар ўз раисларининг қўрқоқлигидан хижолат чекишди. «Мустўм», 1962, № 1.

**ЧЕККА** I *диал. айн. чакка* I.

**ЧЕККА** II Нарсаларнинг, жойнинг ўрта қисмига, марказига нисбатан энг чети, четки томони; ён, ёқа, қирғоқ, чет. Айвоннинг чеккаси. Йўлнинг чеккаси. Қишлоқнинг шарқ чеккаси. Чеккадаги одам. || Чекка ўлка.

■ Бектемир гарангланиб, хансираб, чеккага чиқди-да, ўзини ерга ташлади. Ойбек, Қуёш қораймас. Мингбоши сўри чеккасига ўтириб, меҳмонларни дастурхонга таклиф этди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Маллабой ака чоригини бир чеккага қўйиб, Болтабойнинг ёнига ўтирди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. **Бир чеккаси** 1) бир чети, томони. Осмонга таралсан қоп-қора тунунинг бир чеккаси жиғар ранг тусед кирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кири ибора бир томондан (олганда, қараганда), бир ҳисобда. Ҳакимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамит бир малай ва, бир чеккаси, қариндош эди ҳам. Ойбек, Кутлуғ қон. **Бир чеккадан** 1) бирор томондан, бир четдан. Бир чеккадан кимнингдир овози эшитилди; 2) бир бошдан, батариб. Бир чеккадан гапириб бермоқ.

**ЧЕККАЛИК** Чеккага, марказдан чет ерга мансуб. Чеккалик киши.

◆ **Бир чеккалик тур** четга чиқиб тур. Ишлар бир чеккалик бўлди ишлар баргараф бўлди.

**ЧЕКЛАМОҚ** Белгили талаб, норма, меъёр ва ш. к. билан чегараламоқ; чегара, чек қўймоқ; чегарасини белгиламоқ, қатъий қилиб қўймоқ. Иш соати чеклаб қўйилди. Пода боқиш майдони чеклаб қўйилди.

**ЧЕКЛАНИЛМОҚ** чекланмоқ *фл. мажж. н.* Иш фақат рўйхат тузиш билан чекланилмайди.

**ЧЕКЛАНМОҚ** I чекламоқ *фл. мажж. н.* Харажатлар чекланди. Вақт чекланди.

2 Чегараланмоқ, кифояланмоқ. Тавсия этилган адабиёт билан чекланмоқ. Огоҳлантириши билан чекланмоқ.

**ЧЕКЛИ** I Чеки, охири, поёни бўлган. Чекли фазо. Чекли миқдор (*мат.*). 2 Чеклаб қўйилган, ўлчовли, ҳисобли. Чекли вақт. Чекли маблағ.

**ЧЕКМОҚ** I эск. Тортмоқ, урмоқ. Тиг чекмоқ. ■ Армон билан билмагани билдирар, Ханжар чекиб қора бағринг тилдирар. «Кунтуғмиш».

2 Бошдан кечирмоқ, кўрмоқ, тортмоқ. Жафо чекмоқ. Машиққатлар чекмоқ. ■ Давлатёр Элмуроднинг қаттиқ руҳий азоб чекаётганини сизди. П. Турсун, Ўқитувчи.— Бўлди, колхозинг учун азоб чекканим етар,— деди Аликул жаҳл ўтида қичқариб. Ш. Рашидов Бўрондан кучли.

3 Тортмоқ, истеъмол қилмоқ. Махорқа чекмоқ. Чилим чекмоқ. ■ Ботирали папирос чекиб одамларнинг сўзини обдон эшитиб, кейин гапирди. С. Аҳмад, Ҳужм. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқий-ўқий, нос чекиб, ўз жойига ўлтирди. А. Қодирий, Меҳрўрдан чаён.

4 Санчиб, куйдириб, босиб нақшламоқ, безамоқ. Энида тўқ кўк шевиотдан костюм, ёқаларига гул чеккан оч пушти блузка. Ойдин, Сухбати жоннон.

**ЧЕКСИЗ** I Чеки, чегараси, охири, поёни йўқ; поёнсиз, бепоён. Чексиз фазо. Чексиз пахта далалари. Чексиз миқдор (*мат.*). Чексиз каср (*мат.*). ■ Турсуний осмонга чексиз денгизга қарагандай қаради. А. Мухтор, Опасингиллар.

2 Чекланмаган, ҳеч қандай чек, чегара қўйилмаган ёки қўйиб бўлмайдиган; битмас-туганмас, бениҳоя. Чексиз садоқат. Чексиз муҳаббат. Чексиз имкониятлар. ■ — Ўзингиз биласиз,— деди Сидиқжон унга маънос назар ташлаб, унинг бу қарашинда чексиз миннатдорчилик ифодаси бор эди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. || Байроқ шабадада ҳилпираркан, Тўхта хола чексиз қувонди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧЕКСИЗЛИК** I чексиз с. белги оти. Садоқатнинг чексизлиги.

2 Чексиз фазо. Чексизликда учрашувчи чизилар.

3 *мат.* Чексиз миқдор. Чексизликда интилувчи сон.

**ЧЕКТИРМОҚ** чекмоқ *фл. орт. н.* Азоб чектирмоқ. Чилим чектирмоқ. Хижолат чектирмоқ.

**ЧЕКЧАЙМОҚ** *диал.* Чақчаймоқ. Чекинга тушса чекчайма. Мақол.

**ЧЕЛ** *диал.* Экин майдонлари, ер тахталари орасидаги чегара; уват.

**ЧЕЛАК** Асосан суюқликларни сақлаш, ташини учун хизмат қиладиган цилиндр шаклли, ёйсимон бандли идиш; пақир. Сирли челақ. Бир челақ сув. Айрон сўраб келадан челагингни ҳам қизганма. Мақол.

**ЧЕЛАҚЛАБ** рвч Челақ билан. Че-

лақлаб сув ташимоқ. Челақлаб қуймоқ 1) челақ билан қуймоқ; 2) қўчма шаррос қуймоқ, қаттиқ ёғмоқ. Булутларнинг ҳаракати бежо. Хали замон тепамиздан челақлаб қўйиб берса ҳам эҳтимол. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧЕЛАКЧИ** Челақ қиладиган ёки тузатадиган уста.

**ЧЕМОДАН** [р<ф-т] *айн.* чамадон. **ЧЕМПИОН** [р<ингл] Спорт мусобақаларида, ўйинларида ғолиб чиққан, биринчи ўринни эгаллаган кишига бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган киши. Бокс бўйича мамлакат чемпиони. СССР шахмат чемпиони. Сувда сўзиш чемпиони. ■ Ахир, Аҳмад мактабда «бокс чемпиони», ҳам машҳур пахтакор Лолаҳоннинг укаси-да! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧЕМПИОНАТ** [р] Спортнинг бирор тури бўйича биринчилик учун ўтказиладиган мусобақа, ўйин. Классик кураш чемпиони. Шахмат чемпионати. ■ Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг бошланишига, бор-йўғи, бир ой қолди. Н. Улуғжонов, Имтиҳон.

**ЧЕН** *диал.* Чама, мўлжал. Қим танимас Қўқан деган колхозчини, Танимаган эслаб кўрсин етса чени. Ҳ. Фулом.

**ЧЕНА** с. т. Чана.

**ЧЕП** *кт.* ҳарб. Турли нарсаларни айқаш-тўйқаш босиб ёвга қарши қурилган тўсиқ. Чеп қурмоқ. ■ 1365 йилда шаҳар зарбдорлари шаҳарни мўғуллардан фақат қўнларга чеп босиб ҳимоя қилган эдилар. Я. Фуломов, Қўрна тарих эълари.

**ЧЕРВОН** [р червонец] СССРда: 1922—1947 йилларда муомалада бўлган ўн сўмлик пул; давлат кредит билети. Рўза тутдим ноз учун, Эла бир пардоз учун, Сўрсанг ишининг аслини Мулла червон оз учун. Ҳамза.

**ЧЕРДАК** [р<ф-т чордоқ] Том билан шип ораллиғидаги бўшлик жой. Одатдагича ертўллаларга, чердақларга яширинган душман автоматчиларини, «сафар қочди» қилинган кучуклардек, қувиб ўлдириш орузи, унинг қалбини қамради. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЧЕРЕПИЦА** [р] Том ёпиш учун ишлатиладиган новли сопол, цемент ёки туңука пластинка шаклидаги қурилиш материали. Сопол черепица. Туңука черепица. ■ Сал юрлгач, дарахтзорлар, боғлар, похол ғарамлари, черепица ва қамиш томли уйлар қаторлашиб кетди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ЧЕРИК** эск. *кт.* Қўшин, лашкар. [Темур Малик қўшинлари] уйқуда ётган мўғул лашкаргоҳига бирдан босқин қилиб, наридан-бери кийиниб чиққан черикларни қиличдан ўтказиб беришди. М. Осим, Темур Малик.

**ЧЕРКАС** қ. черкаслар. Черкас тили. || Черкас аёл.

**ЧЕРКАСЛАР** Қорачой-Черкас авто-

ном областида яшовчи асосий халқлардан бири; черкас халқи.

**ЧЕРКЕЗ** Чўлларда, қумлоқ ерларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган ва до-райвор кўп йиллик ёввойи ўт.

**ЧЕРКОВ** [р церковъ] 1 Христианлар ибодатхонаси.

2 Маслаги, эътиқоди бир кишиларнинг диний ташкилоти. *Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиши.*

**ЧЕРТИБ-ЧЕРТИБ** *рви* Саралаб, танлаб-танлаб. *Ха, онажон, ҳозир ўқиша ялиниб олайди. Қўлидан иш келадиганларни чертиб-чертиб олади.* X. Назир, Маёқ сари. *Биз чертиб-чертиб, жуссаси чоғ бўлса ҳам чайирини, юрасида ишқ ўти кўпроғини танлаб олдик.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. **Чертиб-чертиб гапирмоқ** гапни топиб-топиб, ўрнига қўйиб, дона-дона қилиб гапирмоқ. [Бакир ота] *миқти гавдасини ростлади-да, чертиб-чертиб гапира кетди.* А. Шермухамедов, Ўт-ўланлар водийси.

**ЧЕРТИЛМОҚ** *чертмоқ* *фл. мажх. н.* Қулгиси чиройли жан, жонон чинни чертилгандай бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧЕРТИШМОҚ** *чертмоқ* *фл. бирг. н.*

**ЧЕРТМАК** 1 Бармоқ билан чертиб берилган зарб. **Чертмак олмоқ** кимсанинг бирор ерига чертмоқ. **Чертмак ўйнамоқ** ҳазил ютқазган кишига чертиш йўли билан жазо бермоқ, чертмак олиш шарт билан ўйнамоқ.

2 Чертиб чиқарилган оҳанг, ритм, куй. *Дутор ёнига чилдирманинг чертмази келиб қўшилгандан кейин базм тагин ҳам жонланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Чертмак чалмоқ** бирор нарса чертиб оҳанг чиқармоқ ёки асосий куйга жўр бўлмоқ. *Қўшиқни ёшлар айтсин, улар чагаан чертмакка, Сел бўлиб, бош иргатиб қўя қолиш кифоя.* Ғ. Ғулум.

**ЧЕРТМОҚ** 1 Бармоқ билан кескин зарб бермоқ, бармоқ билан уриб кескин овоз чиқармоқ, тақиллатмоқ. *Ойнани чертиб чақирмоқ. Тарвузни чертиб кўрмоқ. Дўпписини чертиб тозаломоқ.* ■ *Бўйта идорага кириб стулга ўтирди.* Нияма қилишни билмай столни чертиб ҳаялга толди. С. Ахмад, Хукм. **Бурнига чертса йиқилгудай** жуда ҳам озғин, холдан тойган. *Ихчам елкалари яна ҳам кичкина тортиб кетган, бурнига чертса йиқилгудай чарчаган бўлса ҳам, ўзини тетик тутушига.. тиришар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | **Чертмак билан итқитирмоқ, улоқтирмоқ.** *Зокир қўлидаги қоғозни икки буклаб чўнташига солиди ва йўл-йўл бостон пиджагининг енига ёпишган увоқни чертиб ташлади.* П. Қодиров, Уч илдиш. [Мўминжоннинг отаси] *қуюқ қошларини чимириб, чекиб турган папирোসини гуллар орасига чертиб юборди-да, уйга кириб кетди.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.

2 Бармоқ ёки бармоқлар билан зарб бериб чалмоқ. *Тор чертмоқ. Дўмбири*

*чертмоқ.* ■ *Аваз танбурни чертarkan., гўё юрак торларини чертаётгандай эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳой қушлар, жонон қушлар. Келинг, чертай бирга тор.* Ғайратий.

◆ **Ҳўкизининг қулогига танбур чертмоқ** қ. танбур.

**ЧЕРТИРМОҚ** *чертмоқ* *фл. орт. н.*

**ЧЕСТЬ** [р]: *честь бермоқ* *ҳарб.* ўнг қўлни бош томон кўтариб олқишламоқ, ҳарбийча салом бермоқ. *Элмурод болаларга честь бериб, олдинда саман отда келаятган оқ кийимли командирга шошилиб салом берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кейин қотма йигит шеригини туртиди. Қорача йигит Чернецовни кўриб қолиб, дарҳол честь берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧЕТ** 1 *от* Марказдан узоқ атроф, жой; чекка, овлоқ. *Шаҳар чети* || *Чет жой. Чет ўлка.* | Қирғоқ, соҳил, ёқа, лаб. *Дарёнинг чети. Супанинг чети.*

■ *Йўларнинг икки четидаги ариқлар ва чуқурлар кўйма қум, хас-хашак билан тўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Бирор объектга нисбатан бошқа томон, тараф; ташқари. *Четга қарамоқ. Четга тортмоқ.* ■ *Раъно юзини четга ёйириб, кулиб турар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Мурзин Элмуродни кўриб, четга бурилди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Ўзини четга олмоқ** (ёки **тортмоқ**) 1) ўзини бир чеккага, панага олмоқ, бир тарафга, томонга чиқмоқ, ўтмоқ; четланмоқ. *Нақ шу паллада дарвозадан катта қора сизир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди. Бой чўчиб, ўзини четга олди.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) *кўйма бирор ишдан ўзини олиб қочмоқ. Гапни (ёки сўзни) четга бурмоқ* қ. **бурмоқ.** *Четда қолмоқ* 1) бир чеккада, ташқарида қолмоқ; 2) бебаҳра бўлмоқ. *Ишдан четда қолмоқ. Назардан четда қолмоқ.* ■ *Раҳмат сўздан четда қолдирмаслик учун Отабекни ҳам орага олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Нарсаларнинг энг чекка жойи, чекқаси, атрофи. *Чети учган пиёла.* ■ *Тўққиз-ўн кунлик ой шаҳарнинг қоқ устида чети қорайган баркашдек ятираб турар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 *сфт* Бегона, ўзга, ёт, ҳорижий. *Чет одам. Чет маълакат. Чет тил. Чет жисм.*

3 *от* Ташқари, тиш, сирт. *Четдан одам ёллаш. Четдан томоша қилиб турмоқ.*

**ЧЕТАН** I Аравада сочилувчи юкларни ташин учун тол, тут навдаларидан тўқиб ясалган маҳсус кузов. *Қовуним пишиб чириб кетди.. Жилла бўлмаса, битта четанда олиб тушай-да, сотиб болаларга кийимлик олай, деб ҳаял қилган эдим.* Ойбек, Қутлуг қон. || *Адолат хирмондази пахтани четан аравага ортган, тепасига ўтириб қишлоққа жўнади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧЕТАН** II Раъноғулдилар оиласига мансуб, қизил ёки сарғиш шода-шода

мевали дарахт ёки бута ва унинг меvasи.

**ЧЕТКИ** Чекка томондаги, чет тарафда, четда бўлган, четда жойлашган. *Четки уй. Энг четки қатор.* ■ *Маҳкам елпигичга ўхшатиб қўйилган билетлардан четкисини тортиди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ЧЕТЛАМОҚ** Чеккага чиқмоқ, чет томонга ўтмоқ; белгили йўлдан бормай, четда юрмоқ. *Кумуш бўлса онасининг ҳозирги ҳолига ачингандек унга яқинлашмай, четлаб юрар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қорахон шоҳидан гина қилади, Қанча лашкар бекорга ўлади. Қолганлари четлаб қошиб жўнади.* «Ширин билан Шакар». **Четлаб ўтмоқ** 1) айланиб, чап бериб ўтмоқ; 2) *кўйма тақилмай, тилга олмай ўтмоқ, ташлаб ўтмоқ. Масаланинг қийин жойини четлаб ўтди.*

**ЧЕТЛАНИШМОҚ** *четланмоқ* *фл. бирг. н.* *Дастлаб, ёши ўзагалар, сўнгра ёш-яланлар четланишди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧЕТЛАНМОҚ** 1 Четга чиқмоқ, четга ўтмоқ; ўзини бир томонга олмоқ. *Гулнор бироз четланиб юриб, зинага оёқ қўйди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Зайнаб четланиб уйдан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўйчинорга тушиладиган мулошида Абдусамадқори учраб қолди.* У, *одамдагича, йўл кенг бўлса ҳам, дарров четланди.* А. Қаххор, Қўйчинор.

2 *кўйма* Ўзини четга олмоқ, қочмоқ, четлашмоқ. *Ишдан четланди.*

**ЧЕТЛАНТИРИЛМОҚ** *четлантирмоқ* *фл. мажх. н. айв. четлатмоқ* 2.

**ЧЕТЛАНТИРМОҚ** *четланмоқ* *фл. орт. н.*

**ЧЕТЛАТИЛМОҚ** *четлатмоқ* *фл. мажх. н.*

**ЧЕТЛАТМОҚ** 1 *четламоқ* *фл. орт. н.*

2 *Ишдан бўшатмоқ; бирор иш қилиш ёки бирор ишда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқ. Савдо ишидан четлатмоқ.*

**ЧЕТЛАШМОҚ** I *четламоқ* *фл. бирг. н.* *Улар катта йўлдан четлашдилар.*

**ЧЕТЛАШМОҚ** II 1 Бир-биридан узоқлашмоқ; ётлашмоқ, бегоналашмоқ. *Шунчалikka бир-биримиздан четлашиб, мунғайишиб юришимиз кишига оғир келар экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бировга дуч келишдан безиллаб қолдим. Одамлардан четлашиб, гаплашмайдиган бўлдим.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *кўйма* Иштирок этмай, қатнашмай қўймоқ, узоқлашмоқ. *Ишдан четлашди.*

**ЧЕТЛАШТИРИЛМОҚ** *четлаштирмоқ* *фл. мажх. н.*

**ЧЕТЛАШТИРМОҚ** *четлашмоқ* II *фл. орт. н.* *Йўлдан четлаштирмоқ.*

■ *Буржуа агентлари меҳнаткаш ёшларни большевиктик партиядан, ишчилар синфининг умумий курашидан четлаштирмоқчи эдилар.* А. Ҳомид-хўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.



**ЧЕХ** қ. чехлар. Чех тили. || Чех аёл.

**ЧЕХЛАР** Словак халқи билан бир-галликда Чехословакиянинг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ, ғарбий славян халқларининг бири.

**ЧЕЧАК** I 1 Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул. Дала чечаклари. Хушбўй чечак. — Супанинг уч тарафига ёз гуллари экилган, райхон ва бошқа чечаклар атрофга ўз атриётларини анқитиб ётар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 (3-ш. эалик аффикси билан) кўчма Энг сараси, гули. Сергей овозини кўтариб, Зидиллани сенсирлади. «Эъзо-хон — инқилобимизнинг пок чечаги». Ҳ. Ғулوم, Машғал. **Чечак ёзмоқ** (ёки **отмоқ**, **чиқармоқ**) 1) гулламоқ, гул ёзмоқ; 2) кўчма гул-гул очилмоқ, гуллаб яшнамоқ. Она ... янги чиройли кунлар тугилаётганини қандайдир абадий сўлмас ёшлик чечак отаётганини ҳис қиларди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧЕЧАК** II Баданга сувли пуфакчалар тошириб, иситма чиқарадиган, кўпинча болаларда бўладиган оғир юқумли касаллик. Болага чечак чиқибди.

◆ **Пулингга чечак чиққанми?** керакли нарсани олиш учун ўз пулини қизганиб, бировдан нарса сўрагувчи кишига айтилдиган ибора.

**ЧЕЧАКЛАМОҚ** I Гулламоқ, гул ёзмоқ.

2 кўчма кам қўлл. Гуллаб-яшнамоқ.

**ЧЕЧАН** Чаққон, удлабуро, уста, мохир. Гапга чечан. Чечан теримчи. Қўли чечан одам. || Кўп отган билан мерган бўлмас, кўп этган билан чечан бўлмас. Мақол. — Илғорлар тенгдошиман, Қирқ қизларнинг бошиман, Илдам бўлинг жон ака, Чечанлар йўлдошиман. З. Обидов. Э, сен жуда чечан экансан-ку. Туллак беданадай сайрайсан-а! П. Турсун, Ҳативани.

**ЧЕЧАНЛИК** чечан с. белги оти. У чопиқда чечанлигини кўрсатди. — Шоазим гапга чечанлик қилиб, баланд келгани Маҳкамнинг ёдига тушди-ю, эски оғриқ гўё янгиланди. П. Қодиоров, Уч илдиш.

**ЧЕЧИНМОҚ** диал. Ечинмоқ. Чечиниб, томоша қилгин, Ёдгоржон! «Ёдгор».

**ЧЕЧМОҚ** диал. Ечмоқ. «Болам-бўтам» деди, қўлини чечди, Ширин, Шакар икковини бир қўшди. «Ширин билан Шакар».

**ЧЕХРА** [ф-т] I Юз, афт-ангор, бет, кўриниш. Улар худди эгизаклардек, чехралари бир-бирига гоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишда ювош одамлар эди. Ойбек, Кўёш қораймас. | Сиймо, образ. Шунда унинг хаёл боғида яна Адолатнинг чехраси кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Киши кайфияти, рухий ҳолати ёки хулқ-атворининг юздаги акси. Унинг чехраси бузуқ. Чехраси очик одам. Чехрасини очмоқ. — Чехра деган кўнелининг ойнасидир. Ҳамза. Қори

уни гоҳ «сизлаб», гоҳ «сенлаб» яхши муомалада бўлгани учун очик чехра билан гапшича кетди. П. Турсун, Ҳативани. Чол соқолини қўриб, янги комбинёзон кийиб олган. Унинг чехраси очик, нимадандир хурсанд. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

—чи юкл. I Сўроқни ифодалайди. Энди-чи? Мен шу ерда қоламан, сиз-чи? — Сизга-чи? Сиз ҳам айшдан четда қолманг! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Буйруқ майли формасидаги феълларга қўшилиб, уларнинг маъносини юмшатади ёки кучайтиради. Қани, айт-чи! Бери кел-чи! Қўйсанг-чи!

**ЧИБИН** диал. Чивин.

**ЧИВИҚ** диал. Чивик.

**ЧИБОР** диал. Чипор, ола-чипор.

**ЧИВИН** I Икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашарот. Безақ чивини. Урмон чивини. Икки нор уришса, ўртасида чивин ўлади. Мақол. — Чивин кўплашса филни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаш салмоқлаб. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ажал этмай ўлмас Бойсуннинг хони, Бесабаб чиқмади чивиннинг жони. «Алпомнш». Чивин чаққандай ҳам бўлмади сира оғритмади, сезилмади ҳам.

2 диал. Пашша.

**ЧИВИҚ** I Сурх новда. Тол чивиги. Чивик тутган еридан синмади, эгилган еридан синади. Мақол. — Жаҳлим чиқиб сизирни чивик билан саваладим. Ё. Шукуров, Уч савол.

2 тех. Ингичка темир таёқча. || Чивик темир.

◆ **Чивик газлама** майда чизик-чизик йўлли газлама. Яна юриб кетади саккиз тепки гул атлас, Чивик бекасамларнинг олағовур бозори. Ғ. Ғулум.

**ЧИГАЛ** I Учини топиб, ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб, у ер-бу ерига тугун тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш. к. ҳақида). — [Онам] отамнинг бу жавобидан чигал калаванинг учини топгандай, уни яхшилаб ечишга киришди. Айний, Эсдалиқлар.

2 кўчма Чалкашиб, мураккаблашиб кетган; чалкаш. Чигал воқеа. Чигал иш. Чигал бир масала. — Форобий улуг юнон ҳақимининг жуда чигал фалсафий мулоҳазалари маъзини чақиб берган эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. || Жиноят очилди. Иสบотланди. Сергей хаёл иғалини еча бошлади. Ҳ. Ғулум, Машғал. Пўлатжоннинг кўзлари равшанлашиб кетгандек, кўндан миясини чулғаб олган чигал ечилиб кетгандек, ўзини енгил ҳис қилди. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

◆ **Чигалини ёзмоқ** 1) оғриғини, увушғини тарқатмоқ. Оғғимнинг чигалини ёзиб келай; 2) айн. юракни бўшатмоқ қ. юрак 2. Аслида далага бир оз чигалимни ёзиб, ҳордиқ чиқариб келай деган ниятда борган эдим. О. Ҳусанов, Най.

**ЧИГАЛЛАШМОҚ** I Учини топиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ; чалкашмоқ. Ип чигаллашиб қолибди. — [Бибигул] илгаридек ортиқча ювиниб-

-таранмас эди, сочлари ҳам чигаллашиб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

2 кўчма Чалкашмоқ, мураккаблашмоқ, тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. Масала чигаллашди. Иш чигаллашиб борапти. — Эргаш ҳеч нарсани тушунмайди, фикрлари борган сари чигаллашди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Юрагимни чулғанган шубҳалар чигаллашиб кетди-ю, шаҳар кўчаларида анчагина айланб юрдим. Ҳ. Ҳошимов, Хаёлларга бўламан тутқун.

**ЧИГАЛЛАШТИРИЛМОҚ** чигаллаштирмоқ фл. мажх. н.

**ЧИГАЛЛАШТИРМОҚ** чигаллашмоқ фл. орт. н. Ипни чигаллаштирмоқ. Сюжетни чигаллаштирмоқ. — Чет элларда. «Оталар ва болалар» масаласини, қасдан чигаллаштирадилар. Ҳ. Ғулум, Ота ва фарзанд.

**ЧИГАЛЛИК** I чигал с. белги оти. Масаланинг чигаллиги.

2 Чигал нарса, иш, масала ва ш. к. Ҳозир қалбада пайдо бўлаётган шубҳа ва чигаллик унинг ишонувчанлиги ва соддадиллиги билан сиғишмасди. П. Қодиоров, Уч илдиш.

**ЧИГИЛ** I айн. чигал. Чигил арқон. || Арқоннинг чигилини ёзмоқ. — Совет техникаси ҳар қандай чигилни ешиб оладиган техника. Ойбек, О. в. шабадалар. Шу оқшом Низомжон дилига тугилиб ётган чигилни ечиб ташлади. С. Ахмад, Уфқ.

**ЧИГИЛ** II Ўзбек халқининг этник составига кирган уруғлардан бирининг номи. | Шу уруғқа мансуб киши.

**ЧИГИРТКА** I Тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот; баъзи турлари қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиради. Чигирткалар экин ер, эжмай-тижмай текин ер. Мақол. — Далалар чигиртка ёпирилган экинзорга ўхшайди: қуп-қуруқ, Шухрат, Шинелли йиллар. Атрофда чигирткалар бир-бирига навбат бермай, басма-басга чириллашмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма нафр. Балохўр, қузғун. — Келдилар чигирткалар! — деди у томонга қараб, Ҳайдар. Ҳаммалари у томонга қарадилар. Йигирма-йигирма беш отлик йўлни чанғитиб келмоқда эди. Айний, Қуллар.

**ЧИГИТ** Пахтанинг уруғи. Уруғлик сара чиғит. — Йигит чиғит экаби Диққат билан ерига. Иши зик, парво қилмас, Юздан оққан териға. Уйғун.

**ЧИГИТЛИ**: чигитли пахта чигити олинмаган пахта.

**ЧИДАМ** I Оғирлик, дард, алам, қийинчилик ва ш. к.га тоқат қила олиш қобилияти; тўзим, сабр, бардош. Чидами йўқ одам. Чидам бермоқ. — Сира қайғурманг, жоним. Кетганлар тинч ётсин, тириклар узун умр кўрсин. Чидам керак, чидам! Ойбек, О. в. шабадалар. Бола фақир ҳар бир оғирликни чидам билан енгийдиган бошқа чораси йўқ. П. Турсун, Ҳативани. Қабуга келганларни қунт ва чи-

дам билан эшитиш, улар қўйган масалани ҳал этиш Ойқиз учун темир қонун.. эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Узоқ хизмат қилиш, чидаш хусусияти, пишиқлик, пухталиқ, мустаҳкамлик. *Чидами йўқ ип.*

**ЧИДАМЛИ I** Оғриқ, дард, алам, қийинчилик ва ш. к.га чидайдиган; тоқатли, тўзимли, бардошли. *Чидамли аёл. — Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, зени юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сезди. Ойбек, Қутлуг қон.* | Турли оғир табиий шароитларда яшай оладиган. *Совуққа чидамли бугдой навдари.* | Сабр-бардош билан кечган, ўтган, бўлган ёки бўладиган. *Икки соат давом этган чидамли бўғишишдан кейин душманнинг ўт очиш нуқталари бирин-бирин янчилди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Узоқ хизмат қиладиган, чидайдиган; пишиқ, пухта, мустаҳкам. *Чидамли пойафзал. — Мен ҳайронманки,— деди колхознинг сўзга чиқан хўжалиқ мудоир,— халқ силлиқ ва чидамли сурп, чит ва сатинларни олма, қўпол ва дағал бўз ва қалами орқасидан югуради. Айний, Қуллар.* | Турли шароитларда (ўт, сув ва ш. к.) ўз хусусиятларини йўқотмайдиган. *Ўтга чидамли ғишт.*

**ЧИДАМЛИЛИК** чидамли с. белги оти. *Ҳожинова газламани чидамлигини синайдиган махсус асбобнинг лойиҳасини ҳам тузиб берди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. Ҳақиқатан ҳам табиат Кураштепани инсон ажирлиги, чидамлиги, кучи ва машқини синаш майдони қилиб яратгандай теп-текис, майса гилам билан қоплаган. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЧИДАМОҚ I** Оғриқ, дард, алам, қийинчилик ва ш. к.га бардош бермоқ, тоқат қилмоқ. *Оғриққа чидамоқ. Қийинчиликка чидамоқ. Совуққа чидамоқ. Танқидда чидамоқ. Қирққа чидаган, қирқ бирига ҳам чида. Мақол. — Жуман тишини-тишига қўйди-ю, чидади, индамади. А. Мухтор, Туғлиш. Қимсаной кундош азобига бир йилча чидади-ю, охири бўлмади. А. Қахҳор, Қўшчинор. — Йўқ, қандай чидайман тухматга! — қичқирди Гулнор. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Кўп, узоқ хизмат қилмоқ. *Этигим узоқ чидади. Бўздан кўра сатин узоқ чидайди.* | Турли шароитда (ўт, сув, зах ва ш. к. таъсири остида) ўз хусусиятларини сақламоқ. *Ўтга чидайдиган ғишт. Қислотага чидайдиган материал.*

3 Ётмоқ, кифоя қилмоқ. *Ётиб еганга турум тоғ чидамас. Мақол. — [Мирзакаримбой:] ҳарнимани бозордан олаверса, Сулаймоннинг газнаси ҳам чидамайди, жиян. Ойбек, Қутлуг қон.*

◆ *Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча истасанг — шу, бўлмасанг — ўз билганингни қил. [Нури] меҳмонга келган такаббур келин каби, ялқовла-*

*ниб кезди, гилос гулларини томоша қилди. У шу билан қайнасанга: «Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча. Онам мени иш учун тўққан эмас», .. демоқчи бўлди. Ойбек, Қутлуг қон.* **Чидаганга чиқарган I** кучи етган олсин, кучи етган олади, деган маъноларда ишлатиладиган ибора; 2) бир вақтларда танқис бўлган ёзлик юпқа читнинг номи.

**ЧИДАМСИЗ I** Оғриқ, дард, қийинчилик ва ш. к.га бардош беролмайдиган, тоқат қилолмайдиган; тўзимсиз. *Чидамсиз бола.* | Турли оғир табиий шароитларга чидам бера олмайдиган; нозик. *Совуққа чидамсиз гул.*

2 Узоқ хизмат қилмайдиган, чидамайдиган; бўш, жонсиз. *Чидамсиз ип.* | Турли шароитда, турли таъсир остида ўз хусусиятларини сақлай олмайдиган. *Қислотага чидамсиз материал.*

**ЧИДАШ I** чидамоқ фл. иш оти. *Ҳамма гинасиға ҳам чидаш мумкин-ку, аммо «болаларингиз тарбиясиз» деганича чидаш қийин. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳавонинг ўт тафти берувчи нафасига чидашнинг иложи йўқдай туюларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Чидамлилиқ даражаси, чидам. *Чидаш бермоқ. Сиқувага чидаш бермоқ. Ўтга чидаш беролмайдиган ғишт.*

**ЧИДАШМОҚ** чидамоқ I фл. бирг. н. **ЧИЁВЛАМОҚ** «Чийёв-чийёв» овоз чиқармоқ, чийилламоқ (ассосан жўжалар ҳақида).

**ЧИЁВ-ЧИЁВ** тақл. с. Жўжаларнинг чийиллашидан чиқадиган овоз ҳақида.

**ЧИЁН** айн. чаён. **ЧИЗДИРМОҚ** чизмоқ фл. орт. н. План чиздирмоқ. Расм чиздирмоқ.

**ЧИЗЕЛЛАМОҚ** қ. х. Чизель билан ер юмшатмоқ, ерни чизель билан ишламоқ.

**ЧИЗЕЛЬ** [р<ингл.] қ. х. Ер юмшатадиган, бир неча тишлари бўлган дехқончилик қуроли. *Ерга чизель билан ишлов бермоқ.*

**ЧИЗИ** [ф-т] рвш, с. т. Бир оз, озгина, андак. *Қўйлақ чизи чоғроқ келди. Чизи вақтдан сўнг. — Қимки йўлдан чизи тойса, Покистоннинг чин ўғли эмас у. Ойбек, Нур қидириб.*

**ЧИЗИЛИШМОҚ** с. т. Тизилишмоқ, қатор тизилмоқ.

**ЧИЗИЛМОҚ I** чизмоқ фл. мажх. н. *Ўз қўли билан чизилган сурат. — Хатни Собирахон олиб, кўк қалам билан остига чизилган ерини ўқиди. А. Қахҳор, Хстинлар. Унинг фикрича, бояги Арслон фожияси тасодифий бир ҳодиса эмас, балки ўйланиб, чизилиб қилинган бир ишдир. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЧИЗИЛМОҚ II** с. т. Тизилмоқ, қатор бўлмоқ.

**ЧИЗИМЧА** Ингичка, пишиқ арқон, чилвир. *Жўра аскарнинг юкини олиб, эшакка ортиб, чизимча билан*

*боғлади-да, «хих» деб, бир туртди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ЧИЗИШМОҚ** чизмоқ фл. бирг. н.

**ЧИЗИҚ I** Ёзадиган, чизадиган ёки юқадиган нарсалар қолдирган ингичка из. *Йўгон чизик. Ингичка чизик. Бўр билан чизилган чизик. Ҳассанинг учи билан чизилган чизик.* | Шундай шаклдаги йўл, из. *Беқасам чизиклари. Юз чизиклари.* | мат. Фақат бир ўлчовга — узунликка эга бўлган геометрик тушунча, узлуксиз қатор нуқталар мажмуи; хат. *Горизонтал чизик. Тўғри чизик. Эри чизик. Синик чизик. Икки сиртнинг кесилиши чизиғи.* | Икки нуқтани бирлаштирувчи ёки умуман маълум нуқталар орқали ўтган фарзӣ хат. *Экватор чизиғи. Уфқ чизиғи.*

2 Нарсаларнинг чегарасини, жойланишини ёки боришини кўрсатувчи йўналиш, хат. *Саф чизиғи. Мўлжал чизиғи. — Ҳамма дарахтлар бир чизик устида текис саф тортиб туради. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 *Кўчама Йўл*; план, режа. *Ўз чизигига тушириб олмақ. — Шу буюндан бошлаб менинг чизигимдан чиқмайсиз. Қўрқманг, мен сизни ўтга ташламайман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Онаси.. қизининг чизигидан чиқмас эди. Х. Аҳмар, Қим ҳақ?*

**ЧИЗИҚЛИ I** Чизиғи, чизиклари бўлган. *Бир чизикли дафтар.*

2 физ. Қандайдир чизик бўйлаб содир бўладиган. *Эри чизикли ҳаракат.*

**ЧИЗМА I** Қоғоз, калька, тахта, ер ва ш.к. зойига чизилган лойиҳа, махсус чизмачилик асбоблари ёрдамида маълум қондаларга асосан бажарилган график тасвир. *Деталь чизмаси. — Чизмаларга назар ташласак, нозик дид билан яратилган улкан биналар проекти кўз олдинизда намён бўлади. Д. Раҳмонов, Ёшлар қошонаси. || Усталар ўз ишлари учун чизма нақиллар буюрар эдилар. Айний, Эсдалиқлар.*

2 Қаштачиликда: гул тикиш учун матага туширилган нақш, нусха.

**ЧИЗМАКАШ I** Чизма, лойиҳа чизувчи инженер ёки техник.

2 Қаштачиликда: матага чизма, нақш, нусха чизиб берувчи уста.

**ЧИЗМА-ЧИЗИҚ** Бетартиб, айқаш-туйқаш чизиклар; шундай чизиклардан иборат тушуниб бўлмайдиган тасвир, ёзув.

**ЧИЗМОҚ I** Чизик тортмоқ, чизик солмақ, туширмоқ. *Тўғри чизик чизмоқ. — Чойхоначининг шогирди.. Мирзакаримбойга чой келтирар, қулоғига қистирилган қалам билан дўконнинг устунига бир «алиф» чизиб кетар эди. Ойбек, Қутлуг қон.* | Чизиклар воситасида ясамоқ. *Нусха чизмоқ. Кубнинг ёйилмасини чизмоқ. — Штаб бошлиғи Йўлдош ясама столга мукка тушиб нимаалардир чизарди. Шухрат, Шинелли йиллар.* | Туширмоқ, солмақ, олмақ; тасвирламоқ. *Расм чизмоқ. — Қандай сурат.. Қим чизган? А. Қах-*

ҳор, Хотинлар. Кумушининг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш, албатта, мумкин эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с. т. Тизмоқ, қатор қилмоқ. Қўшиқ, дoston сабабин, Чизиб кетди битталаб. Ғайратий. [Ҳожи] Отабекни эпакка олиш учун унга кули туюлган бир қанча насихатларни чизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 қўлма Кўрсатмоқ, кўрсатиб бермоқ (йўл, режа ва ш. к.ни). Мен бир вақт сенга йўл чизиб берган эдим-ку, шундан чиқма, пахтаги биринчи қўлдан ол. Деҳқонларга пулни қиша тарқат. Пул билан оёғига кишан ур. Ойбек, Кутлуг қон. Қандингизни уринг-да! Урмонжон акам чизган чизигингиздан чиқмайдиларми? Чиқмайдилар! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ Ер чизиб қолмоқ (ёки ўтирмақ) уялиб ерга қараб қолмоқ, ўнғасиз ахволга тушиб ўйлаб қолмоқ. Қамбарали ака қизариб, ер чизиб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЧИЗГИЧ** Чизик чизиш учун ишлатилган ўқув ва идора ишлари асбоби; линейка.

**ЧИЙ** 1 Чўл-адирларда ўсадиган баланд, бошоқли ўсимлик; чаловнинг бир тури.

2 Қамишдан ёки савағичдан қаторлаб ип, сим билан боғлаб тўқилган қурилиш материали. Чий билан ўралган ҳовли. Чий билан тўсмоқ. || Чий девор. — Чий тутилган кўча ясида қарқуноқ болаларининг «қиғ-қиғ»лашига ўхшаб чақалоқлар йиғиси эшитилмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Чий лампа чий қоқиб сувалган шип.

◆ Чий алак диал. йўл-йўл тўқилган бўз. Оёғига кўн этик, энига чий алакдан яқтак тўн, қалами шитон берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чий духоба духобанинги йўл-йўл бўртма чизикли хили; чий бахмал. Мен янги бели бурма, сариқ чий духоба костюми билан чалваримнинг чангини қоққанимча бирпас гарангисиб, алаңглаб турдим. Ҳ. Назир, Чўл хавоси.

**ЧИЙИЛДОҚ** Ингичка, баланд ёқимсиз овоз чиқарадиган, чийиллаб гапирадиган. Чийилдоқ бола. — Суюнчи! Суюнчи! — деди Раҳим чийилдоқ товуш билан Қудратга. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

◆ Чийилдоқ балиқчи лойхўрақлар туркумига мансуб, қумлоқ соҳилларда яшайдиган, ҳашаротлар, қуртлар ва чувалчанглар билан овқатланадиган узун тумшук қуш.

**ЧИЙИЛЛАМОҚ** Ингичка, ўткир ёқимсиз овоз чиқармоқ. — Чийиллама! — деди ҳайкириб Йўлчи [Салимбойваччага]. Ойбек, Кутлуг қон. Хўроздан «тонг отишини нимадан биласан» деб сўраса, «ёрқанотнинг чийиллашидан биламан», деган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЧИЙИЛЛАМОҚ** чийилламоқ фл. орт. н. Ғуломжон ҳавони чийиллатиб тушаётган қамчини мингобиш қўли-

дан юлиб олиб супага иргитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧИЙИЛЛАШМОҚ** чийилламоқ фл. бирг. н.

**ЧИЙИР** фольк. Оёқ, туёқ изи; из, йўл. Отга солди арпа билан ийирни, Қор ёққанда карвон солар чийирни. «Алпомыш».

**ЧИЙЛАМОҚ** 1 Аралаштирмақ (ўйин қартасини).

2 Қўлда ёки махсус йиғирув асбоби воситасида ипни, ипакни пишитмоқ, товламақ.

3 қўлма кам қўлл. Пишитмоқ, чинкитирмоқ, тобламақ.

**ЧИЙЛАНМОҚ** чийламоқ фл. мажҳ. н. Қарта чийланди. Чийланган ип.

— Ҳайдарбойнинг хизматкори Асқар билан Суюн оға, Муса билан Зиебек муносабатлари тасвирида қозоқ ва ўзбек халқларининг чийланган дўстлиги бўртиб турибди. Б. Файзиев, Қардошлик мадҳияси.

**ЧИЙЛАТМОҚ** чийламоқ фл. орт. н. **ЧИЙРАЛМОҚ** чийрамоқ фл. мажҳ. н. Чийралган ип. — Толемиз ёр бўлиб, ота-боболаримиз боғлаган дўстона алоқа эндиликда яна пишиқроқ чийралди. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ЧИЙРАМОҚ** айн. чийламоқ. **ЧИЙРАТМА** Пишитилган, чийланган, тобланган. Чийратма ип. Чийратма ипак. — Домла.. қўлида битта катта пичоқ, бир болта ва бироз чийратма арқон билан тўпла-тўғри менинг олдимга келди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ЧИЙРАТМОҚ** чийрамоқ фл. орт. н. **ЧИЙРИК** с. т. Чиғриқ.

**ЧИЙ-ЧИЙ** тақл. с. Жўжа, сичқон ва ш. к.нинг овозига ўхшаш ингичка, ўткир ёқимсиз овоз ҳақида. Чий-чий қилмоқ.

**ЧИЙЧИЙЛАМОҚ** «Чий-чий» товуш чиқармоқ, «чий-чий» қилмоқ. Ойна опа.. чийчилайб учаётган қалдирғочларни лоқайд кузатиб турарди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ЧИЙЧИЙЛАШМОҚ** чийчийламоқ фл. бирг. н.

**ЧИК** айн. чикка. Товва пукни ёйди, олчи чикни ёйди дегандек. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧИКИЛЛАМОҚ** «Чик-чик» овоз чиқармоқ, чиқилламоқ.

**ЧИККА** Ошиқнинг ичи чуқур томони ва шу томони сиртига қараган вазияти; пукканинг акси. Ошиқ думалайди пуккани, чикка. С. Акбарий.

◆ Ошиғи чикка бахти юрмаган, иши ўнгидан келмаган, иши чаппа. Ошиқ эди Шакарбекка Гоҳи олчи, гоҳи чикка. «Ширин билан Шакар». Чикка бел ингичка, нозик бел, хипча бел (хотини-қизларга нисбатан). Кўрсат белинги мен кўрайин, Чикка бел жувон, ёр-ёр. «Кўшиқлар».

**ЧИКОРА** [ф-т] Нима даркор; ҳеч гап эмас. [Чўпон Майсага:] Менинг райимга юрсангиз, эр йигитга мол чикора! Ҳамза, Майсаранинг

иши. | Қим қўйибди; йўл бўлсин. Э, ўқши тўқларнинг иши, мактабни уларга чиқарган худойим, камбағалларга чикора! Ойбек, Болалик. Сиз билан мен бир ишни мувофиқ кўранимиздан кейин Зайнабга чикора! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЧИЛ** 1 Товуқсимонлар туркумининг қирговулсимонлар оиласига мансуб ўтрок ов қуши. Чил каклик чўл каклиги.

**ЧИЛ** II [ф-т] айн. қирқ 1. Чил банд қирқ еридан боғланган, кўп, қаттиқ боғланган, қирқ тугун. Чил устун(ли) қирқ устун(ли); устунлари кўп. Навоий «Чил устунли» кошонага келиб, зарбоф тўнли мағрур «эшик оға»га подшоҳ ҳузурига кирмоқ истагини билдирди. Ойбек, Навоий.

**ЧИЛАНГАР** [ф-т] эск. Металл буюмларни қўлда ясовчи, тузатувчи мутахассис ишчи; слесарь. Зар қадрини заргар билар, чилангар нени билар. Мақол. — Мўйдиннинг жарчиси томоқ йиртиб қичқириб юборди: — Ҳой ямоқчи, чилангар, кўз бўёвчи заргарлар, пардоз сотган атторлар. Ё. Шукуров, Қасос.

**ЧИЛАНГАРЛИК** 1 чилангар с. касб оти. Чилангарлик қилмоқ. — Шаҳарга яқинлашган киши.. бозорларнинг говурини, мисгарлик, темирчилик, чилангарлик расталарининг тарақ-туруқини эшитар.. эди. М. Осим, Ўттор. 2 Бозорда чилангарлар қатори, راستаси.

**ЧИЛВИР** Ингичка пишиқ арқон, арғамчи; чизимча. Ота билан қиз кийикларни хуржунга жойлаб, чилвир билан оғзини маҳкам боғладилар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Икки киши жуеуриб ичкари кириб бандиларнинг чилвирларини, кундаларини еча бошлади. Айний, Куллар.

◆ Чилвир соч (ёки кокил) 1) майда ўрилган соч. Қўп ўтмай [Мўмина] чилвир сочларини чамбарак қилиб тракторга минди. Ҳ. Нурий, Лочин бола си — лочин. Қўёш ювар чилвир кокилин. Ҳ. Пўлат; 2) сочлари шундай ўрилган қиз. Биласанми, ким у, ўша қиз; Осмондаги ўша қалдирғоч? Ўша қўрқмас ва ўша лочин, Ўша дилбар, ўша чилвир соч? Ҳ. Олимжон.

**ЧИЛГИ** диал. Чиллаки. Яқинда силос пишади, сўнгера чилги. И. Раҳим.

**ЧИЛДИРМА** Чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга тери қошлаб ясаган музика асбоби; доира, чирманда, даф. Катта чилдирма. Чилдирма базми. Чилдирма чалмоқ. — Икки томондан учтадан олтига оқ кийинган қиз чилдирма мақомига оёқ уриб, кифт қоқиб чиқди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Дутор енига чилдирманинг чертмаги келиб қўйилгандан кейин бозм тагин ҳам жонланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Шу асбобнинг овози. Қўча томонда чилдирма ва қўшиқ эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧИЛДИРМАКАШ** айн. чилдирмачи. **ЧИЛДИРМАЧИ** Чилдирма чалувчи созанда; доирачи.

**ЧИЛИМ** Сархонасига тамаки солиб найи орқали чекиладиган, кўпинча қовоқдан ясалган чекув асбоби. *Чиллим чекмок.* ■ *Бурчақда Гажак — жинни сархонасидан ўт чиқариб чиллим хурилатарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бир чеккада бизнинг чиллимга ўхшаган, лекин найи ўрнига узун резинка ўрнатилган бир бало.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Чилим солмоқ** чекниш, чектириш учун сархонасига тамаки солиб чиллимни тайёрламоқ. *Хайдар ўчоқ бошига бориб яна бир чиллим солиб чекди, Сафарга ҳам чектирди.* Айний, Куллар. **Чилим қовоқ** қобғидан чиллим ясаладиган узун қовоқ.

**ЧИЛИМКАШ** 1 Чилим чекувчи.

2 Чилим солиб одамларга чектириб юриб тирикчиллик қилувчи одам; поясчи.

**ЧИЛЛА** [ф-т] 1 Йилнинг энг иссиқ ёки энг совуқ қирқ куни. *Чилла кирди. Чилла чиқди. Ёз чилласи ёки ёлғи чилла* 25 июндан 5 августгача бўлган энг иссиқ қирқ кун. *Август — ёз чилласи. Менинг шаҳримнинг ўтқири қуёши ялғи нақ ёндирапти.* Х. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон. **Қиш чилласи** ёки қишқи чилла 25 декабрдан 5 февралгача бўлган энг совуқ қирқ кун. *Одамлар «чириллаган чилла» деб таърифлаган кунларда шундай .. совуқ роса бир ҳафта давом этди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Чилла суви** ёз чилласида экинларга бериладиган сув.

2 *эти.* Бола туққан ёки туғилгандан бошлаб кейинги қирқ кунлик давр. *Чақалоққа чилласида касал тегди-ю, аъзойи-бадан яра бўлиб кетди.* «Эртақлар». **Чилласи чиқмаган** 1) туққанига ёки туғилганига қирқ кун бўлмаган. *Чилласи чиқмаган бола. Чилласи чиқмаган она;* 2) *кўчма тажрибасиз; ёғур, хом. Чилла яра* болага чилла даврида чиқадиган яра, тошма.

3 *дин.* Якка ўзи одамлардан яшириниб, қирқ кун тоат-ибодат қилиш маросими. *Амри маъруф, чиллалар, Шубҳасиз, бу хиллалар, Барчасидан мақсадим, Танга-червон, тиллалар.* Ҳамза. **Чилла ўтирмоқ** 1) ёлғизликда қирқ кунлик ибодатга ўтирмоқ; 2) *кўчма* узоқ вақт уйдан эшикка чиқмай, қимирламай ўтирмоқ.

◆ **Чилла(га) ўтқазиб кетмоқ** алдаб, фириб бериб кетмоқ. *Ипак-атлас карвонига бош бўлган савдогарлар қосибларни «чилла»га ўтқазиб кетардилар.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

**ЧИЛЛАГИРАЗОН** с. т. Чиллаки-рўзон.

**ЧИЛЛАЁСИН** [ф-т+а] *дин.* Касалликни даволаш, мушкулни осон қилиш ва ш. к. мақсад билан ўқиладиган дуо ва қоқиқ-суқуқлар. *Эшон-қўжа қори қурвон ўқиб, Саврихон аяни ихлос билан чиллаёсин қилмоқда.* Ғайратий, Довдираш.

**ЧИЛЛАК** [ф-т] 1 Битта узун, битта калта ёғоч билан ўйналадиган болалар ўйини ва шу ўйинда хизмат

қиладиган ингичка ёғоч. *Бузоқ, эчки, қўзи боқиб, тўп тепишиб, варрак учириб, чиллак ўйнашиб юрган бош яланг, оёқ яланг болалар.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Чиллак бола** калта чиллак. **Чиллак она** узун чиллак.

2 Варрак ипи ўраладиган қисқа чўп. *Шамол туранда қоронғи кечаларнинг қоқ ярмисиди бўлса ҳам чиллакдаги ипнинг ҳаммасини қўйиб, устунга боғлайман.* Ойбек, Болалик.

**ЧИЛЛАКДАЙ**, «дек Ингичка, ориқ. Оёқлари чиллакдай.

**ЧИЛЛАКИ** [ф-т] 1 *от* Эрта пишар узум, узумнинг энг олдин пишадиган тури. *Оқ чиллаки. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради.* Мақол.

2 *сфт* Эрта пишар, эртаги. *Чиллаки шафтоли. Чиллаки қовун.*

3 *сфт, кўчма* Яхши тайёрлик кўрмаган, чала ўқиб тез етилган. *Чиллаки олим.* ■ *Маориф оған курсларда бир талай чиллаки муаллимлар ўқитибди. Ўрнига ўшалардан биттасини ола беради-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧИЛЛАКИРЎЗОН** [ф-т] *эти.* Янги бола қўрган онанинг чилласи чиққандан сўнг ўз ота-онасиникига ёки бошқа яқинлариникига меҳмонга бориши ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим.

**ЧИЛЛАЛИ** Чилласи чиқмаган. *Чиллали она. Чиллали келин* турмуш қурганига хали қирқ кун тўлмаган келин. *Эртасига чиллали келин Бургутнинг участкасига шудгор кўтаргани универсал миниб келди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ЧИЛЛАШИР** [ф-т] Инсон организмда никотин кислотаси етишмаслиги, терининг ва ичак йўллариининг зарарланишидан иборат касаллик. *Урта Осиеда тарқалган хавфли касалликлардан яна бири чиллашир эди.* Ф. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

**ЧИЛЛИК** Ўйин картасининг қора рангли уч барг шаклдаги тури. *Чилликнинг тузи. Еттилик чиллик.*

**ЧИЛОН** I [р член] с. т. эск. Революциядан илгариги бирор муассаса ёки банк аъзоси. *Мен банкнинг чилони. Ҳаммасининг сирини менга равшан, ўғлим.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Юз бошининг мол-дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган кўриқлар эди. Уни «чилон» ҳам дейишар эди, билмадим ўша вақтда нимага «чилон» экан.* А. Қахдор, Қўшчинор.

**ЧИЛОН II** [ф-т] *айн.* чилонжийда.

**ЧИЛОНЖИЙДА** Жийданинг юма-лоқ мевали тури. *Қийғос гуллаган чилонжийдаларнинг жилгани тўлдирган ўтқири ҳиди Шербек йироқлашган сари сийраклаша борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧИЛОПЧИН** [ф-т] *диал.* Дашша. **ЧИЛПАРЧИН** [ф-т] *реш* Парча-парча, майда-майда; чил-чил. **Чилпарчин бўлмоқ** 1) парча-парча, майда-майда бўлмоқ; чил-чил бўлмоқ. *Чироқ ерга*

*тушиб чилпарчин бўлди.* ■ *Назаримда, у ҳозир қулаб тушиб чилпарчин бўладигандай туюлди, қўрқиб кетдим.* П. Қодиров, Қадрим; 2) *кўчма* маҳв бўлмоқ, йўқ бўлмоқ, тилка-пора бўлмоқ. *Ёв чилпарчин бўлди. Душманнинг қора ниятлари чилпарчин бўлди;* 3) *кўчма* йўққа чиқмоқ. *Бўриевнинг қурилиши ўтирилишдан чиқаришга қаратилган дадил лойиҳаси.. чилпарчин бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш; 4) *кўчма* озор чекиб, ранжиб, эзилб; порча-пора бўлмоқ, садпора, юз пора бўлмоқ. *Нафисанинг қалби бирпасда чилпарчин бўлди.* Ш. Гуломов, Ёрқин уфқлар. **Чилпарчин қилмоқ** 1) парча-парча, майда-майда қилмоқ; чил-чил қилмоқ. *Бухоронинг Самарқанд дарвозаси ҳам чилпарчин қилиниб, йўл четларига улоқтирилган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) *кўчма* маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ, тилка-пора қилмоқ. *Душман чилпарчин қилинди;* 3) *кўчма* йўққа чиқармоқ; 4) *кўчма* озор, ранж бериб, эзиб тилка-пора қилмоқ, садпора, юз пора қилмоқ. *Юрагини чилпарчин қилмоқ.*

**ЧИЛПИМОҚ** қ. х. Ўсимликларнинг бачки шох ва учларини юлиб, кесиб ташламоқ; чеканка қилмоқ. *Ғўзаларни чилпимоқ.*

**ЧИЛПИШ** чилпимоқ *фл. иш оти.* Ғўзани чилпиш.

**ЧИЛПОРА** [ф-т] *айн.* чилпарчин. *Ўртага тушган совуқчилик Фариданинг қалбини чилпора қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ЧИЛП-ЧИЛП** тақл. с. Лойгарчиликда юрганда, сув кечганда чиқадиган товуш ҳақида. *Чилп-чилп лой кечмоқ.* ■ [Миразиз] *МТС дарвозаси ёнига келганда, қуёш бир мунча кўтарилиб қолган, қор эриб ҳамма ёқ чилп-чилп бўлган эди.* С. Маҳкамов, Катта рулда. *Сувдан салқин шабдада эсар, майда тўлқинларнинг қирғоққа чилп-чилп урилиши ёқимли эшитиларди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган сохилда.

**ЧИЛТАН** [ф-т] Диний-хурофий тасавурларга кўра — гўё ғайритабиий кучга эга бўлган, кўзга кўринмайдиган, бир-бирдан ажралмайдиган афсонавий қирқ рух. [Холжон хола] *ҳар икки ҳафтада биби Сешанба онанинг дастурхонини ёзиб, «мушкулқушод», чилтанларга атаб шовла қилади.* Ғайратий, Довдираш.

**ЧИЛТАНДАЙ**, «дек Жуда ориқ, озгин, эти суягига ёпишган. *Сариққина, чилтандай ориққина қизининг бордондай семизтириб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧИЛТОР** [ф-т] Кўп торли қадирий чолғу асбоби.

**ЧИЛ-ЧИЛ** [ф-т] *реш* Майда-майда, парча-парча, кул-кул. *Коса чил-чил синди. Чил-чил бўлмоқ* 1) майда-майда, парча-парча бўлмоқ, кул-кул бўлмоқ. *Хурининг бадан-бадани жижирашиб кетди, қўлидаги пилла ерга тушиб, чил-чил бўлди.* Н. Фозилов, Оқим; 2) *кўчма* озор чекиб, ранж тортиб

тилка-пора бўлмоқ. Агар ҳозир Хошимжон ҳам «бу йилча уйингизга электр тушириб беролмаймиз» деса, Каримбердининг кўнгли чил-чил бўлади. С. Маҳкамов, Дала тонги. **Чил-чил қилмоқ** 1) майда-майда, парча-парча қилмоқ, синдириб кул-кул қилмоқ; 2) кўчма озор, ранж бериб тилка-пора қилмоқ. Санам унинг [Комилнинг] умид тўла кўнглини чил-чил қилиб жўнатди. Х. Аҳмар, Қим хақ?

◆ **Чил-чил ҳасса этн.** 1) бол суннат тўйида хатна қилинаётган болани овутичи, алахситиш учун айтиладиган ибора; 2) с. т. суннат тўйи, хатна тўйи. [Шодикул] тўрт кун ош бериб, «чил-чил ҳасса» қилдирмоқчи эмас. «Муштум», 1927, № 3.

**ЧИЛЧИРОҚ** [ф-т] эск. Кўп шамли чироқ, қандил; люстра.

**ЧИЛЧУП** [ф-т] Нишолда тайёрлашда ишлатиладиган бир даста чўп.

**ЧИМ 1 айн. ажриқ.**

2 Ажриқ билан бирга палахса-палахса қилиб кўчирилган ер қатлами. Кетмон билан чим кўчирилмоқ. — Сувни жилдиратиб оқизиш учун чимлардан.. фойдаланамиз. О. Аҳмадалев, Суғоришда гап кўп. Қани, шохдан, баракка топқурлар! Қани, чимдан, оғайниллар! Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Чим босмоқ** 1) сув йўлини тўсиш ёки чимзор қилиш учун кўчириб келинган чимни маълум тартибда ерга ётқизмоқ, босмоқ. Эгатларга чим босмоқ. Футбол майдониغا чим босмоқ. — Бирор жойни сув уриб кетса, кетмон билан ўйна жойга чим босади, бебош сувни яна йўлга солиб юборади. Ж. Шарипов, Саодат; 2) кўчма ғов солмоқ, йўлни тўсиб қўймоқ, бекитмоқ. Пошияхон тушмагур секретарликка сайланди-ю, барчасининг йўлига чим босди. А. Муқимов, Қилчоқ сеники. **Чим қирқар** қ. х. плугнинг чимни, илдиэларни кесиб борувчи қисми, пичоғи.

◆ **Чимдай чикмоқ** ёпасанга, гиламдай бўлиб чиқмоқ (ўсимликлар ҳақида). Укроп чимдай чиқибди.

**ЧИМДИЛАМОҚ** диал. Чимчиламоқ.

**ЧИМДИМ** Икки-уч бармоқ билан чимдиб оларли миқдор. Овқатга уч-тўрт чимдим туз ташламоқ. **Бир чимдим** 1) бир марта чимдиб олишли миқдор. Чой қайнади. Икромжон белбогининг учига тугиғлиқ чойдан бир чимдимеинасини чойнакка ташлади. С. Аҳмад, Уфқ; 2) кўчма озгина, жиндак, қиттақ. Бир камбағални ҳа деб эза беришми, ё бир чимдим, икки чимдим инсоф ҳам лозимми? А. Қодирий, Фида-биди гаплар. Гулмуҳраҳон, барвақт қайтармиз, тушиликка бир чимдимгина ош қилинг. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Бир чимдим ухласанг, кучга тўлиб яйрайсан. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧИМДИМОҚ 1 диал.** Чимчиламоқ.

2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимчиб олмақ. Оини чимдиб емоқ.

**ЧИМДИШМОҚ** чимдимок фл. бирг. н.

**ЧИМЗОР** Чим босган ер, ажриқзор.

У чимзорни ер қилиш қийин, меҳнат зое кетади. А. Қодирий, Обид кетмон. [Тоҳир] шабнам босган чимзордан полизнинг этагига келгандагина уфқдаги.. ушда кўзи туиуди. М. Мансуров, Орзу ушлади.

**ЧИМЗОРЛИК 1 чимзор с. маъж. от.** 2 Чимзор ер, чимзор. Ҳар икковимиз маслаҳатлашиб, қўйларни чимзорликка ёйдик. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ЧИМИЛДИҚ** диал. Гўшанга. Оппоқ чимилдиқ ичидан узун зарбоф тўйини ёпиниб, қувёв чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧИМИРИЛМОҚ 1 чимирмоқ фл. ўзл. ва мажж. н.** Қошлари чимирилди. Қулоқлари чимирилди.

2 Қош-қовоқни, пешанани тириштирмоқ (таажжуб, аччиғланиш ва ш. к. хис-туйғуларни ифодалаш учун). Нега чимириласан?

**ЧИМИРМОҚ** Қош-қовоқни йиғмоқ, буриштирмоқ (таажжуб, норозилик, ҳадикснраш, кибр каби хис-туйғуларни ифодалаш учун). Дибар тўхтади, қошларини чимириб, менга савол назари билан тикилди. О. Ёқубов, Янги йил кечасида. Қўзибой қошини чимириб, ниманидир ўзича чамалаб турди-да, сўнг бирдан ҳиринглаб қулиб юборди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Уигит унга [ойнага] боқиб, мўйловини чимириб сармарошга раҳмат айтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Қулоқ чимирмоқ** қулоқларини орқага буриб, тик қилиб бирор ҳаракатга ҳозирланмоқ (хайвонлар ҳақида). Қорабайир думини силкитиб, қулоқларини чимиреанчи.. орқа оёғини ҳавога ура бошлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЧИМЛАМОҚ** Чим босмоқ, чим босиб тўсмоқ ёки кўкаламзор қилмоқ. Уста бу йил эгат оғзини чимлаб суғоришида ҳам ибрат кўрсатишга аҳд қилган. О. Ёқубов, Ларза.

**ЧИМАТ** [ф-т чашимбанд] 1 айн. чачвон. Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутилтиргил. Ҳамза. Адолатнинг бошига тош урилди, ёки бирор унинг кўзларига қора чиммат тўсиб қўйди-ми, атроф қоронғилашиб, кўзи тиниб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Парда, тўсиқ. Туннинг қора чиммати жимирлаб-жимирлаб ер бетини қоплади. И. Раҳим, Тақдир.

**ЧИММОҚ** диал. Чимчиламоқ, чимдимок.

**ЧИМРАНМОҚ** фольк. айн. чимирилмоқ 2.

**ЧИМТИЛАМОҚ** диал. Чимчиламоқ, чимдиламоқ.

**ЧИМТОМОҚ** Кам овқат ейдиган, овқатни танлаб оз-оз ейдиган; чимхўр. [Малика] чимтомоқ эди. Аммо бугун онаси қўйган бир товоқ овқатни ҳам пок-покиза туширди-да, кейин тоза мактади. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

**ЧИМХҲҮР 1 айн.** чимтомоқ. Овқатга асло мазангиз йўқ экан, пошша қиз, чимхўр экансиз. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Овқатни танлаб оз-оз ейдиган, ҳар қандай овқатни саявермайдиган (хайвонлар ҳақида). [Сигирларга] ҳа деб бир хил озуқа бераверсангиз иш-тахави бўйлади, чимхўр бўлиб қолади. О. Ҳакимов, Машғал фермада.

**ЧИМЧАЛОҚ** диал. Жимжилоқ.

**ЧИМЧИЛАМОҚ 1** Тананинг бирор ерини бармоқлари билан қисиб олмақ (кўпинча жазолаш учун, баъзан ҳазил тариқасида). У қизнинг бурнини аста чимчилаб, қулогидан қўзиб жиғига теғди-да, мўйловларини силкитлаб қулди. Ойбек, Қуёш қораймас. — Дадангизга айтинг, геугуртини чақсин, одамнинг кўнгли хуфтон бўлиб кетди! — деди Лаъли эрининг елкасини чимчилаб. Х. Ғулум, Машғал.

2 кўчма Ачитмоқ, жизиллатмоқ, жондан ўтмоқ (совуқ, шамол, изғирин ва ш. к. ҳақида). Қуёш чарақлаб турса ҳам, дашт изғирин, қўл-бетларни чимчилайди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Совуқ қулоқ-бурнингизни чимчилаб ўтади. Т. Қосимова, Қўнғилли тасодиф. Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари баданини чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 кўчма Гап билан узиб олмақ, тил тегизмоқ, кимсанинг шаънига ачиқ, қаттиқ гап айтмоқ; коймоқ. Афтидан, колхоздаги қолоқ бриадлар учун Олтинойни ҳам чимчилаган бўлсалар керак. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ЧИМЧИЛАНМОҚ** чимчиламоқ 1 фл. ўзл. ва мажж. н.

**ЧИМЧИМОҚ 1 айн.** чимчиламоқ. 2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимдиб олмақ. Зайнабнинг қўрқа-писа «Олинг, опалъсидан сўнг, икки тараф ҳам лагандан чимчиган бўлишдилар-да, бирин-бирин қўлни дастурхон четига артишди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЧИН 1 1 от** Ҳақиқий ҳол, иш, гап, ходиса ва ш. к.; ҳақиқат. Чинми, чин эмасми? Тушимми ё чин! Гумон чинга айланди. — Мен шоҳимнинг ваъдалари чин ва мўътабар деб ишонган эдим. Уйғун ва Й. Султон, Навоий.

2 сфл Ҳақиқий, рост, тўғри. Чин ваъда. Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар. Мақол. | Асл, ҳақиқий, чинакам. Чин дўстлик: Яхши раҳбар — чин падар. Мақол. Чин дўст бошга иш тушиганда синалар. Мақол.

— Дераза олдиға бориб [Ойпошиа] кўчага мўралади. У чин кўнгли бериб юрган йигити келмаганмикан? Йўқ, у келмаган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Чин** кўнғилдан (ёки қалбдан, юракдан) астойдил, самимий. Чини билан ҳазилсиз, ростдан, ҳақиқатан, дарҳақиқат. Чини билан ҳам Ҳожининг тусидади бояеи ҳасрат, ва қайғу аломатлари йўқолиб, уларнинг жойини шарқ оталиғи вазияти олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Чин маъноси билан** асл, ҳақиқий маъноси билан; том маъноси билан. У чин маъноси би-

лан одам. — Хуллас, чин маъноси билан серҳосил қишлоқ, Х. Ғулом, Машғал.

**ЧИН** II [ф-т] Хитойнинг Шарқ мамлакатларида қабул қилинган ва ўзбек тилида ҳам учрайдиган номи. Чин ҳоқони. — Нисгорим лаб очиб сендин, агар аслим савол этса, Дегил чин шоҳидур бу севги саҳросинда овора. Хуршид.

◆ **Чин каптар** хонаки кўк каптар. **ЧИНАК** [ф-т] Октябрдан илгари: маълум шартлар билан ёлланиб пахта териш тартиби ва шу тартибдаги пахта терими.

**ЧИНАКАМ** I Ҳақиқий, асл, чин. Чинакам ака-ука. Чинакам теримчи. — Колхоз чинакам юксалиш йўлига кирарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Большевиклар партияси Абдура-сулга бойлар зулмидан, дарбадарликдан бечорачилиқдан, эзилмидан чинакам қутилиш йўлини, чинакам бахт йўлини кўрсатади.** П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 ай. чиндан. Чинакам шиономқоқ. — Зиёдилла чинакам қўлга тушганига шионди. Х. Ғулом, Машғал. Қиши чинакам йўғлаш учун мўл-кўл кўз ёш тўймоғи ёки фарёд кўтармоғи шарт эмас. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЧИНАКАМИГА** рви Чиндан, чинакам. Қўча эшиги чинакамига тақиллаб қолди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ЧИНАҚЧИ** I Ёлланиб пахта терувчи киши.

2 Чаноқда қолган пахталарни қўшимча равишда қўлда терувчи; теримчи. **Машина теримига ажратиб, мослаб қўйилган пахтазорни бир гала чинақчи оралаб юрибди.** Ингиталининг жизғанаги чиқиб кетди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ЧИНАҚЧИЛИК** чинақчи I с. касб оти. Эрназар аканинг хотини коллективлашишдан илгари ҳам чинақчиликда донг чиқарган хотин. И. Раҳим, Ихлос.

**ЧИНБАРГ** Пахта ўсимлигининг шоналайдиган барги, ҳосилдор барг. Ғўза энди икки-учтадан чинбарг чиқарганда, Мўминанинг бирдан тоби қочиб қолди. Х. Нурий, Лочин бола-си — лочин.

**ЧИНГИЛ** Дуккакдилар оиласига мансуб тиканли ўсимлик (илдизидан сариқ бўёқ тайёрланади).

**ЧИНГЛИНГ** Ихчам, бежирим ва саранжом, шинам. Чинглинг уй.

**ЧИНДАН** рви Чини билан, ростдан, тўғри; беҳазил.— Чиндан сўзлайман, Анвар! — деди Сулмонали. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Ҳақиқатан. Ҳосил чиндан ҳам яхши эди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ЧИНИҚМОҚ** I Меҳнат ёки жисмоний тарбия билан ўз организмнинг ҳар қандай оғир шароитга, касаллик ва ш. к.га бардош бериш қобилиятини оширмоқ; тобланмоқ, пишиқмоқ. **Абдураим темирчиёва босқончи бўлиб юрганида чиниққан йигит.** Ш. Тошматов, Эрк қуши. У қўйлаксиз эди, офтобда чиниқиб пишган бадани тер билан

ялтирарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 **Кўйма** Амалий иш, тажриба жараёнида етилмоқ, тобланмоқ. **Синфий жангларда, революцион курашларда чиниқмоқ.** Армиямиз ўтда чиниққан. Йигит-қизларимиз қўриқ ерларни ўзлаштириш учун курашда чиниқдилар. — [Михайлов] партиянинг энг актив ва чиниққан кишиларидан бўлди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. [Қудрат] қамоқда яна ҳам чиниқиб, революцион руҳи яна ҳам тиниқиб чиқди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ЧИНИҚТИРИЛМОҚ** чиниқтирмоқ фл. мажс. н. Чиниқтирилган организм.

**ЧИНИҚТИРМОҚ** I чиниқмоқ фл. орт. н. Организмни чиниқтирмоқ.

2 Тех. Янги машина, трактор ва ш. к.ни белгали режимда аста ишла-тиб раво қилмоқ. **Машинани чиниқтирмоқ.**

**ЧИНИҚҚАНЛИК** Ишда, меҳнатда ёки машқ билан етилганлик, тобланганлик.

**ЧИН-МОЧИН** [ф-т] эск. Жанубий Хитой, Тибет ва Шарқий Туркистон территориясининг Октябрдан олдинги манбаларда учрайдиган номи.

**ЧИННИ** [ф-т] I Идиш-оёқ, изоляцион материаллар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой ва ундан ясалган буюмлар. Хитой чинниси. Тошкент чинниси. || Чинни пиёла. — Холжон-бика.. хитойи чиннида мой олиб келди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Чинни (хотин-қизлар исми). **ЧИННИГУЛ** [ф-т] Чиннигуллилар оиласига мансуб қизил, пушти, оқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг гули.

**ЧИННИДАЙ** Топ-тоза. Ҳамма ёқ чиннидай. — Ҳозир супуриб, чиннидай қиламан. Х. Ғулом, Машғал.

**ЧИННИСОЗ** [ф-т] Чинни sanoати ходими, мутахассиси.

**ЧИННИТАРВУЗ** Эрта пишар, гулдор пўчоқли тарвуз нави.

**ЧИННИТЕРАҚ** Тикка ўсадиган баланд оқ терақ.

**ЧИННИФУРУШ** [ф-т] Чинни асбоблар билан савдо қилувчи савдогар, чинни сотувчи.

**ЧИННИЧИ** айн. чиннисоз. **ЧИНОВНИК** [р] Чор Россиясида: амалдор, мансабдор шахс. Чор ҳукумати-нинг чиновниклари. — У ё чиновник, ё катта савдогар, ёки айни замонда ҳар иккиси. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЧИНОЁҚ** Хитойи чинни идиш, хитой чинниси. Олти йигит ичида отинг Турсун, Чиноёққа сув қўйдим тиниб турсин. «Фольклор».

**ЧИНОР** [ф-т] Пўсти кўкиш, панжа-симон шалалоқ баргли, узоқ умрли серсоя катта дарахт.

**ЧИНОҚ** I Қулоғи кесилган ёки қулоғи кертик. Чиноқ ит. Чиноқ қўй. Чиноқ қулоқ кесик қулоқ. Чиноқ бу-рун I) кемтиги бор бурун; 2) чандиқ бурун.

2 Қулоғи кичкина ёки чандиқли

кишиларга қўйиладиган лақаб. **Жувон дадамга «чиноқ» деб лақаб қўйди, ҳаммадан ҳам шу қулги бўлди.** А. Қаҳ-хор, Ўтмишдан эртаклар. [Бўтинанге]. . номига чиноқ лақабини қўшиб айтмаса, одамлар дарров таний қолмайди. С. Ахмад, Ҳукм.

**ЧИНОҚЧИ** қ. х. Чорва молларнинг қулоғини кесиб ёки кертиб белги, нишон солувчи киши.

**ЧИНЧАЛОҚ** диал. Жимжилоқ. **ЧИНҚИРИШМОҚ** чинқирмоқ фл. бирг. н. Аёллар кўпирк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиршиди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЧИНҚИРИҚ** Ингичка ва ўткир овоз, қичқирӣқ. Чақалоқнинг чинқирғи. Ҳудокнинг кар қилгудек чинқирғи.

— Узоқдан паровоз чинқирғи янгради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧИНҚИРМОҚ** Ингичка ва ўткир товуш чиқармоқ, чийиллаган товуш билан қичқирмоқ. **Паровоз чинқирди.** Аёл чинқириб гапирди. — Эъзозхон.. Учқуннинг чинқириб йўғлаган тову-шини эшитди. Х. Ғулом, Машғал. [Элмурод] девор таги билан борди-да, чинқириб келган шамолдан бир дарвоза панасига бекинди. П. Турсун, Ҳўқитув-чи.

**ЧИНҚИРОҚ** Ингичка ва ўткир, қулоқ тешгудай қаттиқ (товуш ҳақ-қида). Йўлчи сабрсизлик билан ҳовли ўртасида атрофга аланглаб тураркан, хотин чинқироқ тоғуш билан бирдан вайсаб кетди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЧИНҚИРТИРМОҚ** чинқирмоқ фл. орт. н.

**ЧИНҒИЛЛАМОҚ** I айн. шинғирла-моқ. Қулоғим чинғиллапти.

2 айн. жирингламоқ. Звонок чинғилла-ди.

**ЧИНҒИРЛАМОҚ** айн. чинғилламоқ.

**ЧИП** тақл. с. Ялпоқ нарсаларнинг аста урилишида, ёпишқоқ нарсалар-нинг кўчишида чиқадиған товушлар ҳақида. **Чип этган товуш.** Барг чип этиб ерга тушиди. Чип ёпишмоқ айн. чиппа ёпишмоқ қ. чиппа. Чип битмоқ айн. чиппа битмоқ қ. чиппа.

**ЧИПОР** Ола-була, ола-чипор. Чипор товуқ. Чипор илон. — Эшикни оши-лари билан чипор кийимли олифта бир қиз ичкаридан отилиб чиқди. П. Қо-диров, Уч илди.

**ЧИППА:** чиппа ёпишмоқ I) яхши зич ёпишмоқ. **Маркалар конвертга чиппа ёпишди.** — Сув қизинг елкала-ридан сочилиб, қора сочларини ба-данига чиппа ёпиштирди. Мирмуҳсин, Чўри; 2) қўйиб қўйгандай, ўлчагандай лойиқ келмоқ. Узун санбитдек қо-матига, кенг яғринига ҳарбий форма чиппа ёпишиб турди. Ойдин, Сада-ғанг бўлай, командир. **Чиппа битмоқ** бутунлай, том битмоқ (қулоқ ҳақида). **Қулоғи чиппа битди.**

**ЧИППАК** I с. т. Шиппак, сандал.

**ЧИППАК** II: чиплакка чиқмоқ I) бекор, беҳуда бўлмоқ, зое кет-моқ. **Шунча ҳаракат чиплакка чиқди;** 2) йўққа, пучга чиқмоқ. Ёлгон давволар



чиппака чикди. Умидлар чиппака чикди. — Уқувчиларнинг ишончлари табиат инжиқлиги туфайли чиппака чиқадиган бўлди. О. Ёқубов, Олов қалблар.

**ЧИППА-ЧИН** Шак-шубҳасиз тўғри, тўппа-тўғри, рост, чин. Чиппа-чин гап. || Чиппа-чин ишонди. Чиппа-чин бўлган иш.

**ЧИПТА** I Дағал буюмлар тўқиш учун тайёрланган юпқа тилим-тилим пўстлоқ ва ундан тўқилган нарса. || Чипта қоп. Чипта кавуш. — У ердан чиптага ўроғлиқ бир даста кўчатни олиб чиқиб менга тутқазди. Х. Назир, Бир туп гўза. | Одатда токни бағазларга тараб боғлаш учун ишлатиладиган дўстлоқ толаси. Чипта билан боғламоқ.

**ЧИПТА** II с. т. эск. Поезд билети. Мана бу гапни эшитинг, Андижонга борганимда «Максимка» пойизга [поезда] чипта оломай, начальникнинг [начальникнинг] олдига кирдим. С. Аҳмад, Хукм.

**ЧИПТАЧИ** с. т. эск. Темир йўл билети сотувчи; кассир.

**ЧИПХҲҲ** Чимхур, чимтомоқ.

**ЧИП-ЧИП** чип с. тагр. Кўйлагининг икки кураги ўртаси чип-чип баданига ёпишарди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ЧИПҚОН** Тук қопчиғи ва унинг атрофи яллиғланиши натижасида ҳосил бўладиган йирингли катта чиққик; хўппоз. Бўйнига чипқон чиқибди. — Лабидоҳанимизга чипқон чиққан эмас, тоға, гапни ўнги-терсига қараб гапирши лозим бўлса, бир одамчилик гапир олармиз, дейман. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ Дард устига чипқон қ. дард I.

**ЧИР:** чир айланмоқ гир-гир айланмоқ, тез айланмоқ. [Шербек] этти пудлик забардаст гавдани икки марта чир айлантириб ерга қўйди. С. Анорбоев, Оксой.

**ЧИРАНИШМОҚ** чиранимоқ фл. бирг. н. Навкарман деб чиранишганига ҳайронман, тоза адабларини ейишди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЧИРАНМОҚ** I Бор кучини ишга солиб зўр бермоқ; кучанмоқ. — Аяшанг, азамат, қалай, нон ширин эканми? — Қаттиқ, — деди Тўлқин, кулчани чираниб тишлаб. Х. Ғулум, Машъал.

2 кўчма салб. Ўз имкониятларини ҳисобга олмай катта гапирмоқ, катта кетмоқ; керилмоқ. — Чираниманг, полвон, — деди қулиб Ўсаржон. Ойбек, О. в. шабадалар. Ўзинг жойсиз [ўринсиз] чираниганиндек, мени ҳам ўз ёнигага тортмоқчи бўласан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қимдир, Бозоровнинг: «Қизнинг ўзи кўнмаса, кўндирадиган туюғим кўп», деб чиранигини айтди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧИРГИ** диал. Терлик, ёпиқ (от абзали). Шул замонда солди отнинг устига, Зарлису зарбоддан бўлган чиргини. «Алломиш».

**ЧИРГИЛИК** диал. I Чиргибоп материал, намат.

2 Чирги. Чиргиликда тер қотди, Энди Ғиркўк бедов от, Совиб қарсақдай қотди. «Хушкелди».

**ЧИРИК** I Чириган, чириб ишдан чиққан, яроқсиз холга келган. Чирик тахта. Чирик тиш. Чирик олма. Чирик иморат. — [Мақтовул] офтоб қиздириб юборган шапалоқдек саҳнада тўхтамай, бир табақали эски, чирик эшик ланг очилиб қўйилган пастак кулбага ўзини урди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 от Нарсаларнинг чириган жойи. Олманинг чиригини олиб ташламоқ.

3 кўчма Ўлиб, йўқ бўлиб бораётган, ҳалокатга юз тутган; носоғлом; эски, бузуқ. Чирик назария. Чирик сарқитлар — Мен колхозда чирик обатларга қарши чора кўряпман. Ойбек, О. в. шабадалар. Осмон эмас, ерда юришдан, Этилганди бир умр маҳрум, Чирик турмуш уни кишанлаб, Тириклайин этганди марҳум. Х. Олимжон.

**ЧИРИЛДОҚ** I сфт Чирилловчи, ҳа деб чириллайверадиган.

2 от Қанотлари ишқаланиш натижасида чир-чир овоз чиқарадиган тўғри қанотлилар оиласига мансуб хашарот; қора чигиртка. Офтоб захини ялаб кетган ердан чирилдоқларнинг шовқини бошланди. С. Аҳмад, Одамнинг изи.

**ЧИРИЛЛАМОҚ** I «Чир-чир» қилмоқ; чигилламоқ. Чақалоқ чириллаб йиғлапти. — Чигирткалар ҳамон зорланиб чирилардилар. С. Анорбоев, Оксой.

2 айн. чир-чир айланмоқ қб. чир-чир. «А-а-а, қўлимга тушинди?» деб чирилармиш-да у [Ёсман], юзини тўсиб турган қора чодирни очиб ташлармиш. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧИРИЛЛАТМОҚ** чирилламоқ фл. орт. н.

**ЧИРИЛЛАШМОҚ** чирилламоқ фл. бирг. н. Гоҳ напдан, гоҳ ўндан кулоқларни тешувчи чинқирик товушлар билан чигирткалар чириллашади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧИРИМОҚ** I Микроорганизмларнинг таъсири натижасида бузилмоқ, айнимоқ, ишдан чиқмоқ, яроқсиз холга келмоқ. Чириган ип. Чинор чиримас, арча қуримас. Мақол. Олтин чиримас. Мақол. Асил айнимас, айниса ҳам чиримас. Мақол. — Омборларда чириб қолган молларни энди харидор кўзга суртиб олади. Ойбек, Қутлуғ қон. Ишланг, билак толмасин, Пахта чириб қолмасин, Хушёр бўлинг, ўртоқлар, Душман иғво солмасин. «Кўшиқлар». | Иримоқ, айнимоқ. Чириган қовун. Чириган олма. | кўчма Адойин тамом бўлмоқ, ҳазон бўлмоқ. [Йўлчи:] Андак инсоф керак, уят керак. Чолинг меҳнатда чириган кўксига бизгни қадайдирман! Ойбек, Қутлуғ қон. — Нарн туринг, — Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. — Эссиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаётибди. Х. Ғулум, Машъал.

2 кўчма Умри тугаб, ўлиб, йўқ

бўлиб бормоқ, ҳалокатга юз тутмоқ. Чириган урф-одатлар.

**ЧИРИНДИ** Чўп-хас, ҳазон, ўсимлик ва ш. к.нинг чириб, тупроқнинг таркибий қисмига айланаётган қисми, чирик нарса. Ерга чиринди солмоқ.

**ЧИРИТМОҚ** чиримоқ фл. орт. н. Ўнч чиритмоқ. Олмаларни чиритиб қўймаслик. — Муштумдай болани бир ҳафтадан бери зиндонда чиритди бу зolim. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧИРИШ** I I чиримоқ фл. иш оти. 2 Микроорганизмлар таъсири натижасида бузилиш, айниш ходисаси, процесси.

**ЧИРИШ** II: чириниш бузмоқ иш, суҳбат ва ш. к.ни, ўлтиришни бузмоқ; битган, бўлиб турган ишни йитирмоқ.

**ЧИРИҚЛАМОҚ** айн. чирқилламоқ. Чумчуқча келиб кетди, Ушоқларни еб кетди, Чирқ-чуруқ, чирқлаб, Эрта келай, деб кетди. У. Бахромова.

**ЧИРИҚЛАТМОҚ** чирқиламоқ фл. орт. н.

**ЧИРҚ** I [ф-т] I Ёғ ва қурум ара-лаш ёпишқоқ ўтиринди. Қозоннинг чирки. Чирк босиб қорайган уй. | Қалин қатирма кир, яғир. Чирк боғлаб кетган дўппи. — Чирк босган кепка кийиб юрадиган.. қопқора, боши сўпоқ, суяги бузуқ, ранглар йиғит. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Қотиб қолган арава мойи.

**ЧИРҚ** II тақл. с. Чирқиллайдиган қуш ва хашаротларнинг овози ҳақида.

**ЧИРКИН** [ф-т] I Чирк босган, чирк босиб қорайган; хира. Чиркин ва синиқ ишишлар. | Қатирма кир, яғир, исқирт, ифлос. Улар гулларни севадилар. Қийимлари чиркин бўлса ҳам, чаккаларига гул қистириб юрадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Разил, қабиҳ, тубан. Чиркин ҳаёт. Чиркин маънавий қифа. — Бу чиркин ғамхонада жой учун ижара тўлайсизлар-а! Ойбек, Нур қидириб.

3 кўчма Чирк, чирган, ўлиб бораётган. Ўтмишнинг чиркин қолдиқлари жамиятимизга иснод келтиради. А. Мухтор, Тўғилиш.

**ЧИРКИНЛАШМОҚ** Тубанликка юз тутмоқ, тубанлашмоқ, разиллашмоқ, қабиҳлашмоқ. Бўхтончилар.. ўз ғалабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар. Ойбек, Нур қидириб.

**ЧИРКИНЛИК** чиркин с. белги оти.

**ЧИРҚ-ЧИРҚ** чирк II с. тагр. Аҳён-аҳёнда жимликни чигирткаларнинг чирк-чирк этган овози бузарди, холос. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЧИРМАЛМОҚ** I чирмамоқ фл. мажҳ. н. Шаҳар касалхонасининг озода хоналаридан биридаги каравотда боши оқ дока билан чирмалган Абжаббор бир неча соатдан бери хушсиз ётар.. эди. С. Абдулла, Соялар.

2 Уралиб олмақ, чирмашмоқ. Илон дарахтга чирмалди.

**ЧИРМАМОҚ** 1 Маҳкам ўраб, чандиб боғламоқ. *Ўзи билан бирга тутиб Гулгулни, Паланг отга уни чирмаб ташлади.* «Ширин билан Шакар». | Ўраб, қамраб олмоқ. *Ориқ, елкаси чиққан бўчи ингичка белини уйма-уч чирмаган кир белбоғига бир қўлини тираб, иккинчи қўли билан бошини камбағалчасига қашиб қўйди.* Ойбек, Навоий.

2 кўчама Ўраб, қоплаб, чулғаб олмоқ, босмоқ. *Боланинг бошига на бир фикр, на бир мулоҳаза келди. Булар ўрнини даҳшатли бир қўрқув вужудини чирмамоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Жапақнинг] *вужуди бўм-бўш, қандайдир бир азоб борлигини чирмаб ташлаган.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЧИРМАНДА** айн. чилдирма. *Кеча сукунатини ногора ва чирманда садоси бирдан бузиб юборди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Чирмандадай қизғиш ой тирмаша-тирмаша бақатеракнинг устига чиқиб олди.* Ҳ. Хошимов, Чўл хавоси.

**ЧИРМАНДАКАШ** айн. чилдирмачи.

**ЧИРМАНДАЧИ** айн. чилдирмачи.

**ЧИРМАШМОҚ** 1 Маҳкам қучмоқ, ўралмоқ, ўралиб, ёпишиб олмоқ. *Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, пахса деворлар орқасида ёқутдек ялтираган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўриқлар.* С. Аҳмад, Муҳаббат. [Жапақнинг].. *асабий титроқ бармоқлари ўтовнинг самбит четанига чирмашди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Батзилар, янги замонда эски замон одами бўлиб юрган Бўрихўжа амакинине Алихонга илондек чирмашиб олганини айтиб, унга ачинишди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Маҳкам ёпишиб, тирмашиб юқорига интилмоқ, тирмашмоқ. *Фулабур сариқ Краснов олдинлашиб, бинокль билан узоққа қаради, сўнгра, ҳарсиллаб-ҳарсиллаб дарахтага чирмашди-да, теваракни қузатди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бирпасда қарасангиз, пастдаги одамлар арқонга чирмашиб, тоққа чиқиб олишди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Қишлоқ этагидан кўтарилган ой олисдаги фарзандлари — юдузларни кўрмоқ эстаб, осмонга чирмашарди.* С. Нуров, Ёстиқ.

**ЧИРМАШТИРМОҚ** чирмашмоқ фл. орт. н. *Нозик ва ингичка Элмурод бақувват ва йўғон Мели полвоннинг белбоғига қўлини чирмаштириб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧИРМАШУВЧАН** Қаттиқ чирмашадиган, чирмашиб, ўралиб оладиган. *Чирмашувчан илон.* Чирмашувчан ўсимликлар.

**ЧИРМОВ** 1 чирмамоқ фл. иш оти. *Ол хабар гулшанда гул ахволдан э боғбон, Ёт гийҳ чирмовига чирмалди қийноқ ичра гул.* С. Абдулла.

**ЧИРМОВ** II айн. чирмовик.

**ЧИРМОВГУЛ** Печакгул, карнайгул.

**ЧИРМОВИҚ** 1 Девпечак, зарпечак, печакгул сингари чирмашиб ўсадиган ўсимликларнинг умумий номи.

*Эшонларнинг ҳийла-тузоқлари чирмовиқ сингари шох отадиган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

2 айн. зарпечак.

**ЧИРОЙ** [ф-т] 1 Кишининг гўзаллиги; хусн, кўрк. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.* Мақол. — *Лой сачраган билан йўқолмас чирой.* Уйғун. [Хонзода:] *Шаҳарда битта десам, ёлгончи бўлмайман. Унинг чиройи ўз бошига бало бўлди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ширмон сингари бетларида ҳам келишган иккита чуқурчаси бор экан, қулганда чиройини яна ҳам очиб юборади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кўзга ёқадиган кўриниш, кўркамлик, кўрк. *Шаҳар чиройи.* — *Тўғун, Барчиной, яшашнинг чиройи салмоқдор меҳнатда.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 кўчама Кайфият, чеҳра. *Ҳар гал дўстлари келганда, Пўлатнинг чиройи очилиб, руҳи тетик бўлаётгани учун ҳам, врачлар келди-кетдиларга бемалол йўл қўлиб беришганди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Ойтўтининг ҳам чиройи очилмай, онасига қараб ўзгариб қолди.* Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ.

**ЧИРОЙЛИ** 1 Юз бичими келишган, гўзал, хусндор, кўхлик. *Чиройли йигит.* — *Қиз камтар, очик, чиройли, умуман айтганда, гўзал эди.* Ойбек, Нур қидириб. | Қадди-қомати, ташқи қиёфаси келишган. *Чиройли от.* Чиройли қуш. | Умумий кўриниши, манзараси кўзга ёқадиган, завқ бағишлайдиган, кўркли, кўркам. *Чиройли шаҳар.* Чиройли манзара.

2 кўчама Маънавий жиҳатдан мақбул, матлуб, ёқимли. *Чиройли гап.* Чиройли иш. *Чиройли хулқ-аъвор.*

**ЧИРОЙСИЗ** Кўрimsиз, хунук.

**ЧИРОҚ** [ф-т] 1 Хонани, жойни ёритиш учун хизмат қиладиган уй-рўзгор асбоби; лампа. *Жин чироқ.* *Осма чироқ.* — *Дубов дудланган чироққа бориб, ичида хат ўқий бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кўчама Ўзидан кичикларга, болаларга мурожаат ва эркалатиш формаси. — *Отимни суғориб кетай дедим, отахон! — Хўп-хўп, чироғим.* Бир оз тўхтайсиз-да. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ЧИРОҚПОЯ** [ф-т] Чироқ қўядиган остлик, чироқ ўрнатиладиган уч оёқ. *Кеч бўлди, мен қора чироқни ёқиб, чўпдан ясалган чироқпоя устига қўйдим.* Айний, Эсдалиқлар. [Ойхон:] .. *Ҳаммаси бор. Бешик билан чироқпояси қолди, холос.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ЧИРОҚЧИ** 1 Кўча чироқларини ёқувчи; чироғбон.

2 кўчама Уй-хонадон чироғини ёқиб унинг анъаналарини давом этдирувчи, ота-она хотирасини сақловчи авлод. *Нодира Анварни.. отасининг уйига чироқчи қилмоқчи эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЧИРОҒБОН** [ф-т] айн. чироқчи. *Чироғбон кетидан йўлакка кирдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЧИРПИНДИ** Пойтеша, болта билан чопиш натижасида тўпланган майда-чуйда ўтин, тутантирик.

**ЧИРПИРАК** [ф-т] : чирпирак бўлмоқ 1) гир-гир айланиб, буралиб-буралиб учмоқ. *Кўчанинг нариги бетидаги уй мўрисида чиқаётган тутун том устида чирпирак бўляпти.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) умбалоқ ошиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Учинчи талабгор ўртоғининг чирпирак бўлиб ерга урилганини кўрди-ю, даврдан уриб чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Чирпирак қилмоқ** 1) гир-гир айлантириб учириб юбормоқ, учириб кетмоқ. *Аллақайқдан дайдиб келган изгири қуруқ қорларни чирпирак қилиб узоқларга учириб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар; 2) умбалоқ ошириб йиқитмоқ, чархпалак қилмоқ. *Кувалик Хўжа полвон ҳам Тошкент Қаландархонасида бир қўллаб кураш тушиб, зўр-зўр давангир йигитларни чирпирак қилиб ерга уриб, ҳаммани ҳайрон қолдирарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

**ЧИРПИРАМОҚ** 1 Гир-гир айланоқ, гир-гир айланиб учмоқ, чирпирак бўлмоқ. *Ер уюмлари фиғон билан чирпираб гирдоб каби кўкка кўтарилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Умбалоқ ошиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Худойқул пастга қараб чирпираб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧИРПИТ** [р четверть] с. т. Метрик ўлчов системаси қабул қилинганча ишлатилган уч литрга яқин хажм ўлчов бирлиги ва шу хажмдаги шиша идиш. *Қоплонбековнинг.. таклифи билан Норматов ичкарига кириб бир чирпит мусаллас кўтариб чиқди.* Ғайратий, Менинги ёшлгим.

**ЧИРС** тақл. с. Шиша, муз ва ш. к.нинг синишидан, қуруқ ўтиннинг ёнишидан чиқадиган кучсиз товушлар ҳақида. *Лампа шиша чирс этиб синди.* — *Бек чўнтагидан гуғурт олиб чақди, бироқ Комил чирс этиб ёнган оловни нуф этиб ўчирди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ЧИРСИЛЛАМА** 1 Чирсиллаб ёрилгудай таранг, этилиб турган. *Чирсиллама қовун.*

2 Чирсиллаб ёнадиган, қуруқ. *Чирсиллама ўтин.*

3 кўчама Кирчиллама, аччиқ, қаттиқ. *Чирсиллама совуқ.*

**ЧИРСИЛЛАМОҚ** 1 Чирс-чирс овоз чиқармоқ. *Чирсиллаб ёниб турган олов атрофида ўтирганлар, дув ўринларидан туриб, милтиқларига ёпишди.* Ш. Тошматов, Эрк-қуши. *Электр лампанинг чинни қаллоғи қаттиқ чирсиллаб, дарз кетди.* Ҳ. Назир, Қанотлар. *Қўлоғи гув-гув этиб, назариди мияси чирсиллаётгандай бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Жаҳли чиқиб ёки асабийлашиб ёрилуғдек бўлмоқ, жаҳл устида турмоқ. Раис Аҳмаджон Одилов қизариб чирсиллаб турибди. Й. Шамшаров, Бахт излаб. | Доли-зарбга келмоқ, кескин тус олмоқ. [Заргаров:] Хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турган бир вақтда нима қилар эдинг гапни кўпайтириб! А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

3 *кўчма* Кучаймоқ, зўраймоқ (совуқ ҳақида). Ҳамма ёқ кўкиш қор билан қопланган, совуқ чирсилларди. М. Осим, Элчилар.

**ЧИРСИЛЛАТМОҚ** чирсилламоқ I *фл. орт. н.* Мен йзимизнинг кеч саратонда кўсак чаноқларини чирсиллатиб оқадиган салқин тунларни эслаб.. халлар билан айлланиб-тўлганни тоне оттираман. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ЧИРС-ЧИРС** чирс с. тақр. Гулхан чирс-чирс ёнмоқда. ■ Снаряд гильзасидан қилинган чирокнинг пилиги чирс-чирс ёнарди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ЧИРТ** I тақл. с. Ип узилиши, чўпнинг синиши ва ш. к.дан ҳосил бўладиган кескин товушлар ҳақида. *Ип чирт узилди.* ■ Шербек тишлари орайдан чиқариб чирт этказиб тупурди. С. Анорбоев, Оқсой. [Ҳожибой ака] дуллардан бирини чирт этказиб туби димоғига яқинлаштирди. С. Шокаримов, Сергак кишилар. [Алло:] Эҳ.. бир замонлар шу даланинг миззатераги эдим, довул бошланди — чирт синдим. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЧИРТ** II *рви* Шартта, кескин. Чирт ўгирилмоқ, Чирт бурилмоқ. ■ [Гулсумнинг] лаблари чирт юмилди. П. Турсунов, Ўқитувчи. Кўзини чирт юмиб ) кўзини қаттиқ юмиб. Башорат кўзини чирт юмиб турди. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) *кўчма* бўлганча бўлар деб, таваккал қилиб. Кўзни чирт юмиб тўйни бошлайверинг.

**ЧИРТИНГ-ПИРТИНГ** с. т. Майда-чуйда арзимас нарса. Чиртинг-пиртинг олиб пул ҳам тамом бўлди. || Чиртинг-пиртинг гап.

**ЧИРТ-ПИРТ:** чирт-пирт бўлмоқ с. т. майда-чуйдага сарфланиб тамом бўлмоқ. Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан. Лекин чирт-пирт бўлиб қўлдан унади кетади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧИРТТА** кам қўлл. айн. чирт II. Ҳар икки қуш ҳам овқатга қўноқдан туриб.. қаради-да, юзини чиртта тесқари ўгириб олди. Ғ. Фулом, Шум бола.

**ЧИРТ-ЧИРТ** чирт I с. тақр. Чирт-чирт узилмоқ. Қамши чирт-чирт ёнади.

**ЧИР-ЧИР:** чир-чир айланмоқ айн. чир айланмоқ қ. чир.

**ЧИРҚ** тақл. с. Қушларнинг чирқиллаши, баъзи майда нарсаларнинг урилиши ва ш. к.дан ҳосил бўладиган товушлар ҳақида. *Кўп ўтмай бир қуш-*

ча чирқ этди. Кечаги читтакмикан? А. Мухтор, Чинор. Роҳила сумкани чирқ этиб беркитди-ю, кўчага қараб чонди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ЧИРҚИЛЛАМОҚ** I «Чирқ-чирқ» овоз чиқармоқ. *Уйнаб турган чумчуқларнинг бири.. уч-тўрт чирқиллаб қўйди.* А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. Қайси бир қавақда чумчуқ болалари чирқиллайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қаттиқ қичқириб, чинқириб йиғламоқ (ёш бола ҳақида). «Вой дод эй, унинг нима гуноҳи бор эди» деган хотинлар товуши ичида чирқиллаб йиғлаган ёш болаларнинг овозлари ҳам эшитилди. Айний, Қуллар.

3 *кўчма* Зорланиб, илтижо қилиб ёки ғазабланиб гапирмоқ. *Яхши кўрсан деб, атай манти қилаётган эдим. Бир оз шошма, еб кет, деб чирқиллаганича қолди она.* М. Алавия, Севинчларим.

4 *кўчма* Бедодликдан ноилж оҳ-воҳ қилмоқ.

**ЧИРҚИЛЛАТМОҚ** чирқилламоқ *фл. орт. н.* Босқинчилар халқни чирқиллатиб талардилар.

**ЧИРҚИЛЛАШМОҚ** чирқилламоқ *фл. бирг. н.* Уяларидан чиқиб биланоқ чумчуқлар чирқиллашиб, мусичалар ку-кулашдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Сидиқ:] Астафидулло.. Қаранг, ўша кун болаларим нон деб чирқиллашаверди. Н. Сафаров, Уйғониб.

**ЧИРҚИРАМОҚ** айн. чирқилламоқ. *Тўла чирқираб йиғлаб юборди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Бола хануз чирқираб йиғлар эди.* А. Қаххор, Қўш-чинор.

**ЧИРҚИРАТМОҚ** чирқирамоқ *фл. орт. н.*

**ЧИРҚИРАШМОҚ** чирқирамоқ *фл. бирг. н.* Салима билан Ҳалима ҳам бирдан чирқирашиб чиқиб қолишди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ЧИРҚ-ЧИРҚ** чирқ с. тақр. Чумчуқ чирқ-чирқ сайрайди.

**ЧИСЛО** [р] кам қўлл. Ой-кун, сана. *Тўрттинчи число. Биринчи число.* ■ Адолат иккинчи пўтёвкани синчиклаб қаради, буниси эртанги куннинг числоси билан ёзилган эди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ЧИСТОН** [ф-т] I Топишмоқ, жумбоқ.

2 Қочирикли гап, ибора; қочирик, қочирим. [Юсуфжон қизик] Ҳамза труппаси билан кўпгина жойларни айлланиб чиқади, шоирнинг ҳажвий шеърлари, лапарлари, чистонларини айтиб юради. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек гапирмас, аскияга аралашадиган бўлса юмиқроқ қилиб, суяб чистон қилар эди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ЧИСТОНЧИ** Чистон, қочирим билан гапирувчи, чистонга, қочиримга уста одам.

**ЧИТ** [ф-т] Пахта толасидан тўқил-

ган мата. *Сидирга чит. Гулли чит. Астарбон чит. Чит фабрикаси.* || Чит кўйлак. ■ Мирзакаримбойнинг эски шаҳардаги дўжони чит растасида эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧИТГАР** [ф-т] эск. Кустарь тўқимачилик корхонасида читга гул босувчи уста.

**ЧИТИР** I тақл. с. Қуруқ хашак ёнганда чиқадиган товушга ўхшаш кучсиз товушлар ҳақида. *Хашак читир этиб аланга олди.*

**ЧИТИР** II Крестгуллиларга мансуб, чўл, адирларда ўсадиган бир йиллик ёввойи ўсимлик (пилла қуртига пилла ўраши учун дасталаб қўйилади).

**ЧИТИРЛАМОҚ** «Читир-читир» қилмоқ, «читир-читир» овоз чиқармоқ. *Тун оққанда Кумри ўрnidан аста туриб, тоқчада читирлаб ёнаётган чирокни пуфлаб ўчирди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ЧИТИРЛАТМОҚ** читирламоқ *фл. орт. н.*

**ЧИТИР-ЧИТИР** читир с. тақр. Қоқ чўкиртакларнинг керосин сепандай читир-читир этиб ёниши қизиқ туюлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧИТТАК** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб кичкина, чаққон, сайроқ қи қуш.

◆ Қанотсиз читтак бир жойда муқим туролмайдиган, қўнимсиз, беқарор (енгил табиат одамлар ҳақида). [Қодир:] Мен қанотсиз читтакнинг уйига борган эдим, маълум бўлишича, у ерда қанотсиз қузғунлар ҳам бор экан. А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

**ЧИТФУРУШ** [ф-т] Чит савдоси билан шуғулланувчи савдогар; баззо. *Бувайдалик Низомиддин читфурушнинг ўғли Ғиёсиддин Бухоронинг девонбег мударасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЧИТФУРУШЛИК** I читфуруш с. касб оти. Бизнинг бу атроф маҳалладаги кўп бойлар.. баъзилари Тошкент бозорларидаги расталарда читфурушлик, чойфурушлик.. қилар эдилар. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш ури-нишлари.

2 Бозорда чит дўконлари қатори, растаси.

**ЧИХ** унд. с. Туя чўктиришда ишлатиладиган сўз.

**ЧИЧАНГЛАМОҚ** диал. Дикангламоқ, ўйноқламоқ. [Мадамин] отнинг ёлига ёпишиб қорнига тенди, от бир чичанглаб, уни учуриб кетди. П. Турсунов, Ўқитувчи.

**ЧИЯ** I Тоғли ерларда ўсадиган ёввойи олча.

**ЧИЯ** II фольк. Сир, махфий нарса. Фарзанд бўлар кишининг меҳриғиёси, Айрилганнинг чиқар экан чияси. «Орзи-гул».

**ЧИЯБЎРИ** Итлар биласига мансуб йирткич сутэмизувчи хайвон; шақал. **ЧИҚ** тақл. с. Томчининг урилиши, баъзи қушларнинг сайраши ва ш. к.га ўхшаш товушлар ҳақида. *Кулф чиқ*

этиб очилди. Чумчуқ чиқ этди. — Аҳмад чўчиб ўрнидан турди, қулоғидаги қалам ерга чиқ этиб тушиди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани бир кунлик умрнинг чиққани, дейдилар. П. Турсун, Ҳикматчи.

**ЧИҚАВЕРИШ** Бирор ердан, мас. уй, шаҳар, вокзал ва ш.к.дан ташқарига чиқиш жойи; тақ. киравериш. Ховлининг чиқаверишида учрашдик. — [Сидиқжон] қишлоқнинг чиқаверишида унга этиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЧИҚАЗИЛМОҚ** чиқазмоқ фл. мажҳ. н. Азимбойваччанинг ташқари ҳовлиси гир айлана ғиштин иморат. Бостирмали кенг далонда оти чиқазилган извош. С. Аҳмад, Хукм.

**ЧИҚАЗИШМОҚ** чиқазмоқ фл. бирг. н.

**ЧИҚАЗМОҚ** чиқмоқ фл. орт. н. Эллиқбоши шу қизини қаралига бериб, катта ердаи кўрғонга чиқазиб юборди. С. Аҳмад, Хукм.

**ЧИҚАРИЛМОҚ** чиқармоқ фл. мажҳ. н. Янги ерларга сув чиқарилади. Газета вақтида чиқарилади. Танбехдан хулоса чиқарилади. — Хужжатлар янгиланди ва иш судга чиқарилади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЧИҚАРИШМОҚ** чиқармоқ фл. бирг. н.

**ЧИҚАРМОҚ** чиқмоқ 1—4, 6—11, 13—17, 19, 20 фл. орт. н. Тоққа чиқармоқ. Варракни осмонга чиқармоқ. Трамвайга чиқариб қўймоқ. Уйдан чиқармоқ. Эрдан чиқармоқ. Эсини чиқармоқ. Четга мол чиқармоқ. Газлама чиқармоқ. Электр энергия ишлаб чиқармоқ. Завод йилига минглаб трактор чиқаради. Қарор чиқармоқ. Қонун чиқармоқ. Хукм чиқармоқ. Пул чиқармоқ. Шира чиқармоқ. Қурилиш учун маблағ чиқармоқ. Отни аравадан чиқармоқ. — [Ўзбек ойм.] Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, дадаси! А. Қодирӣ, Утган кунлар. Аммо, энди роҳатини кўради, энди сизларни рўйбга чиқараман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧИҚАРТИРМОҚ** чиқармоқ фл. орт. н. Ҳа, нимага чиқартирмайди дадам? Ойбек, Қутлуғ қон. [Ольга Петровна]. касалнинг тилини чиқартириб кўрди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ЧИҚАСИ:** чиқаси келса агар чиқадиган, кетадиган, йўқоладиган бўлса. Чиқаси келса, заеси сабаб бўлади. Мақол. — Дард чиқаси келса, табиб вишқдан келар, деган гап бор эди, — деди Зулфизар. «Зулфизар билан Авазхон».

**ЧИҚИЛЛАМОҚ** «Чиқ-чиқ» ёки «чиқир-чиқир» овоз чиқармоқ (соат, механизм, ҳар хил нарсалар, асбоблар ҳақида). Машина тинмай чиқилларди. С. Анорбоев, Оксой. Узун сариқ капирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соати узиб-узиб дангиллайбошлади. П. Турсун, Ҳикматчи.

**ЧИҚИЛЛАТМОҚ** чиқилламоқ фл. орт. н. Машинкани чиқиллатмоқ. — Ховлиқиб кетиб аппаратни кетма-кет чиқиллатдим. Х. Ҳасанов, Навоӣ мақбараси.

**ЧИҚИЛМОҚ** чиқмоқ 1, 2, 3, 12, 13, 14 фл. мажҳ. н. Болалар боғ сайрига олиб чиқилди. Китоб бошдан-оёқ кўриб чиқилди. Масала муфассал ишлаб чиқилди. — Қоп-қоронғи узун йўладан ўтиб, ташқари ҳовлига чиқилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Гумонимча, эрталаб Қўқондан чиқилса, аср вақтларида Марғилонга кирадир. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ЧИҚИМ** 1 Сарфланган ёки сарфланадиган моддий маблағ; харажат, буромад. Катта чиқим. Суд чиқимлари. Тўй чиқимлари. Чиқим дафтари. Чиқим қилмоқ. Чиқимини кўтармоқ. Чиқимини қопламоқ. — Уликни кўмиб келиш қўйин эмас, лекин йўғон чиқимлари кейин келади, биласанлар. Ҳали Шокосим кўп қарз сўрайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Газ плита соз чиқди, Сарфлу чиқим оз чиқди. С. Абдулла. Раҳмонқулов унинг бу ташаббусини мақтаб, баъзи чиқимларига пул ёзиб борди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Тез ва яхши дам ейиш хусусияти, татим (асосан чой ҳақида). Чиқими яхши чой.

**ЧИҚИМДОР** Кўп чиқим қилган ёки қиладиган; серчиқим. Чиқимдор одам. | Кўп чиқим, харажат талаб қиладиган, серчиқим. Чиқимдор иш. — [Нури опа] ҳар кун ўғлига у олиб борди, бу олиб борди, охири анча чиқимдор бўлди, — деб ўйлади Тўла. М. Исмоилӣ, Бизнинг роман.

**ЧИҚИМЛИ** 1 Моддий маблағ, чиқим, сарф-харажат талаб қиладиган; чиқимдор, серчиқим. Чиқимли иш. Чиқимли қурилиш.

2 Тез чиқадиган, татимли (чой ҳақида). Ҳинд чойи чиқимли бўлади.

**ЧИҚИМСИЗ** 1 Пул ва моддий маблағ сарфлашни талаб қилмайдиган; сарф-харажатсиз; бепул. Чиқимсиз иш. Ортиқча чиқимсиз қурилиш.

2 Тез ва яхши чиқмайдиган, татимсиз (чой ҳақида).

**ЧИҚИНДИ** 1 Керакли қисми ишлатилгандан қолган нарсалар; чиқит, қолдиқ. Саноат чиқиндис. Нефть чиқиндис. || Чиқинди сув. — Эргаиш чурқ этмай қўлидаги тахтани жаҳл билан чиқиндилар устига улоқтирди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

2 Кўчма салб. Тубан, паст (одам ҳақида). Сабр қосаси тўлган Қўзбой ака умрида биринчи марта дағал гап қилди: — Э, сиздақа чиқинди.. Э, ҳатто ўғитга ҳам ярамайди. Ф. Мусажонов, Чиқинди.

**ЧИҚИР** тақл. с. Майда тош, чинни ёки кичик металл буюмларнинг бир-биринга урилиши ва ш. к.га ўхшаш товушлар ҳақида.

**ЧИҚИРЛАМОҚ** айн. чиқилламоқ. **ЧИҚИРЛАТМОҚ** чиқирламоқ фл. орт. н.

**ЧИҚИР-ЧИҚИР** чиқир с. тақр. Машинанинг чиқир-чиқури.

**ЧИҚИТ** 1 Чиқинди, қолдиқ. Босма-хона чиқитлари. — Ҳозиргача мана шу қипиқдан фойдаланилмайди. Чиқитга чиқиб кетади. Ойдин, Сухбати жонон.

2 Яроқсиз нарса; брак. Чиқитга чиқармоқ.

3 Кўчма Чиқиндига чиқарилган, паст назар билан қараладиган (одам ҳақида). У вақтларда хўжайинлар камбағални одам қаторидан чиқит ҳисоблашган. Ойбек, О. в. шабадалар! Асосий ишдан четда қолган. Бригадада кўп одам «чиқитга» чиқиб кетади. Бригадирларнинг ўзи, ошпаз, табелчи, аравақаш, ясли ходими, шийпон қорюви. С. Нуров, Парвоз.

**ЧИҚИШ** 1 чиқмоқ фл. иш оти. Тоққа чиқиш. Уйдан чиқиш. Далага чиқиш. Автобусга чиқиш. — Ҳаво айнияти. Бунақа ҳавода чўққиза чиқиш хавфли. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Кўешнинг, ойнинг уфқдан кўтарилиш пайғи, кўриниши.

3 Нутқ, мақола, асар, сўз ва ш. к. билан қатнашиш, кўриниш. Катта чиқиш. Олимнинг газетадаги чиқиши. — Мен Мансурнинг миллий масала ҳақидаги чиқишларига мумкин қадар зарба беришга уриндим. Э. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Ижтимоӣ чиқиш** (ёки келиб чиқиш) қ. ижтимоӣ 2.

◆ **Чиқиш келишиги** грам. кимдан, нимадан, қаердан каби сўроқларга жавоб бўладиган келишик.

**ЧИҚИШМОҚ** 1 чиқмоқ фл. бирг. н. Ишга чиқишди. Йўлга чиқишди. Уйдан чиқишди. Томга чиқишди. Сайлга чиқишди. — Хотинлар анча кечикиб чиқишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Муроса қилмоқ, аҳил, иттифоқ, эл бўлиб яшамоқ ёки ишламоқ. У ҳеч ким билан чиқишмайди. — Нега Фотима опа билан чиқишмай қолдинглар? Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Оксоқол жуда чиқишиб қояди-ку улугимиз билан, — деб юборди бир киши. С. Аҳмад, Хукм. [Хурининг эри билан] муомала-муросалари охири чиқишмади. Ш. Ғуломов, Саҳрода. | Ёқтирмоқ. У мушук билан чиқишмайди.

3 салб. Ўзаро келишиб, тил бириктириб ғайриқонуний иш қилмоқ, ғайриқонуний ишда тил топшимоқ.

**ЧИҚИШОҚ** Ҳамма билан тез чиқишиб кетадиган, тез эл бўладиган; киришимли. Каминада уч келин бор. Келинларим жуда чиқишоқ, ҳар ишда ҳамжиҳат. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧИҚИШТИРМОҚ** чиқишмоқ 2 фл. орт. н. Бойнинг ўғиллари, келинлари, қизлари Гулнорни чиқиштирмайдилар, уларнинг феъли, одати манга маълум-ку. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧИҚИК** 1 Яра, говмичча, чипқон сингари касалликлар.

2 Суяк чиққан жой. Максим ана шундай чоғларда, айниқса бетоқат

болаларнинг синигини ушлаб, чиққини солаётганда, уларни овутиб, кўнглини топиб шифолар эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Туртиб чиққан жой, дўнг, дўмбоқ ер. Куйманинг чиққини. Деталнинг чиққини. Чиққини текисламоқ. || Ҳар чиққик тошни ушлаб, тирмашишдан аввал уни бир-икки туртиб, силтаб кўрар. эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ҳов анов баққол ёнидаги чўққи соқол, елкаси чиққик чол — уста Ориф Бухорий. Ойбек, Навоий.

**ЧИҚМОҚ 1** Юқорига, баландга ёки бирор нарса устига кўтарилмоқ, кўтарилиб бирор ерга, баландликка эришмоқ. Минбарага чиқмоқ. Тенага чиқмоқ. Дарахтага чиқмоқ. ■ Яна бир неча киши келиб қўшилган, Шукр сўфи мезанага чиқиб азон айтди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Илму фаннинг нурли чўққиси сари, Чиқмоқ учун қалбада чексиз орзулар. Ғайратий. | Бирор транспорт воситасига тушмоқ, ўтирмоқ, минмоқ. Травайга чиқмоқ. ■ Фосих афанди сўрига эмас, извошга чиқди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Кўчма Кўтарилиб, баландлашиб, ўсиб бирор даражага етмоқ (турли ҳодисалар, процесслар ҳақида). Иссиғи қирққа чиқди. Босими икки юзга чиқибди. Ёши қирққа чиқди.

3 Ичкаридан ташқарига ҳаракат қилмоқ, ичкаридан ташқарига йўл олиб бирор ташқи ерга етмоқ. Уйдан чиқмоқ. Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар. Мақол. ■ Шу вақтда ичкаридан Ойбодоқ чиқиб, Отабек ёнига келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор томонга ёки бирор ишга йўл олмоқ, бормоқ. Далага трактор чиқибди. Мард бўлсанг, майдонга чиқ! Мақол. Ёвга чиқсанг, яроқли чиқ, ёлғиз чиқмай, ҳамроҳли чиқ. Мақол. | Кўчма Бирор ҳаракат, уриниш, кураш натижасида янги бир ҳолатга ўтмоқ, эришмоқ, етишмоқ. Рўшноликка чиқмоқ. Озодликка чиқмоқ. ■ Қиз Гулнорни қучоқлаб, секин шивирлади: «Қайғурманг, опажон, қора кунлар ўтар, ёруғликка чиқармиз». Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Унмоқ, кўкармоқ (усимликлар ҳақида).

5 Уфқдан кўтарилмоқ, кўринмоқ (Кўёш, Ой, юлдузлар ҳақида). Ой уч кунлик бўлиб чиқди. Кўёш товданиб чиқди. ■ Янги ой чиққан кеча, Қайрилма қош ёдга тушар, Тошга қўйғанда бошимни, Бағритош ёдга тушар. «Кўшиқлар».

6 Сиртга тепмоқ, ажралиб намоён бўлмоқ, кўринмоқ (тер, иситма, кўз ёши ва ш. к. ҳақида). Узумнинг суви чиқиб кетибди. Тахтанинг елими чиқибди. ■ Шербекдан тер чиқиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Раззоқ Эъвозхоннинг юзига қаролмади, қип-қизариб, пешанасига тер чиқди. Ҳ. Ғулум, Машғал. То ўғлимнинг гўрнини қучоқлаб, тупроғини юзимга суртмазунмча кўзимдан ёш чиқмайди [деди Ас-

рорқул]. А. Қаххор, Асрор бобо. [Пайдо бўлмоқ, тошмоқ (яра, қизамиқ ва ш. к. ҳақида). Кўзига говмичча чиқибди. Яра чиқибди. Чипқон чиқибди. Болага қизамиқ чиқибди.

7 Ўрнидан кўзғалмоқ, суғурилмоқ, ажралмоқ. Араванинг ғилдираги чиқиб кетди. | Ўрнидан тоймоқ (бўғин суякларни ҳақида). Қўлим чиқиб кетди. ■ Оёғи қалтис еган, лекин табиблар уни чиққан деб қайта-қайта шиқирлатиб сола берганларидан бир оёғи қалта бўлиб қолган. Ойдин, Гулсанам. | Йўлдан тоймоқ. Поёзд издан чиқибди. | Кўчма Чекинмоқ, тоймоқ, озмоқ. Тўғри йўлдан чиқмоқ. Онасининг чизган чизғидан чиқмайди.

8 Бўртиб, туртиб турмоқ. Ёноғи чиққан қиз.

9 Бирор табақадан, жойдан етишмоқ, пайдо бўлмоқ, юзга келмоқ. Ишчилар орасидан чиққан инженер. Теримчи қизлардан чиққан депутат. ■ Баъзи бир ўзимиздан чиққан катталар одам айрирадан бўлиб кетган. П. Турсун, Ўқитувчи.

10 Нашр бўлмоқ, чоп этилмоқ, босилмоқ. Китоб босмадан чиқди. ■ — Мақола вақтда чиқди, — деди Сафаров, — айна вақтида чиқди. А. Қаххор, Қўшчинор.

11 Махсул, самара, натижа сифатида юзга келмоқ. Қуруқ гапдан фойда чиқмайди. Беш килограмм гилосдан неча килограмм мураббо чиқади? Сўнги пушаймондан наф чиқмас. Мақол. ■ Ҳар қутидан етмиш саккиз қилодан пилла чиқа бўлади! А. Қаххор, Қўшчинор. | Бирор натижа билан тугамоқ, натижа бермоқ. Фотография яхши чиқибди. Иш мен ўйлагандай чиқмади.

12 Йўлиқмоқ, дуч келмоқ, учрамоқ. Ишнинг қизиқ жойи чиқиб қолди. Олиддан бир йўловчи чиқди. Рўпарамиздан чиройли бир бино чиқиб қолди. ■ Қаршиндан чиққан арслон Утганми сенга қулиб? Ғайратий.

13 Бирор иш, жой, ташкилот ва ш. к.дан ажралмоқ, узилмоқ, ажралиб, узилиб қолмоқ; ташлаб кетмоқ. Ташкилотдан чиқмоқ. Халққа суянсанг, бўласан, халқдан чиқсанг, сўласан. Мақол. ■ Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликка қўшиндан чиқиб кетсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Алоқани узмоқ, ахлни бўзмоқ, ажралишмоқ. Ўртоқчиликдан чиқмоқ. Эрдан чиқмоқ.

14 Бирор нарсдан танглик сезмоқ, толиқмоқ. Пулдан чиқмоқ. Қиймдан чиқиб қолдим.

15 Бирор нарсдан безор бўлмоқ, зерикмоқ ёки кўтара олмай қолмоқ. У ошдан чиқиб қолди. Ёш болаларнинг хархашасидан жуда чиқибман.

16 Тамом бўлмоқ, охирламоқ, ўтмоқ, тугамоқ, кечмоқ. Чилла чиқди. ■ — Ҳа, энди қиш чиқди, — дейишди кўзли дехқонлар. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

17 Вужудга келмоқ; пайдо бўлмоқ.

Машинанинг «Жигули» деган янги хили чиқибди.

18 Топилмоқ. Йўқолган нарса уйимиздан чиқди. Ғордан чиққан бойлик. ■ Уч кундан кейин минг сўмга олвчи харидор чиқади. А. Қаххор, Сароб. Утирганлардан бири ирғиб ўрнидан турди-ю, даҳлизнинг эшигини очиб қаттиқ шивирлади: — Мўйдин, кир, аризанг чиқди. А. Қаххор, Қўшчинор.

19 Юзга келиш эътибори билан бирор манбага мансуб бўлмоқ. Расмий доиралардан чиққан хабар. ■ — Бунақа гаплар кимдан чиқди? — деди Аҳмедов мийиғида қулиб. А. Қаххор, Қўшчинор.

20 Чекига, номерига ва ш. к.га тўғри келмоқ, тушмоқ. Заёмга ютуқ чиқди. Лотереяга гилам чиқди.

21 Турғун бирикмалар ва қўшма феъллар таркибига қиради, мас. жони (юраги, эси) чиқиб кетди, ишдан чиқмоқ, уддасидан чиқмоқ, қарши чиқмоқ, устидан чиқмоқ, эрга (турмушга, қуввга) чиқмоқ.

22 =(и)б аффиксли равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг бошдан оёқ бажарилганлигини, тугалланганлигини ифодалайди, мас. ишлаб чиқмоқ, кўриб (қараб, кўздан кечириб) чиқмоқ, санаб чиқмоқ, олиб чиқмоқ, кўчириб чиқмоқ.

◆ Бошига чиқмоқ қ. бош. Кўзлари қинидан чиқди аччиқ, аламдан кўзларни ола-кула бўлиб кетди. Даҳшатли хабарни эшитган маҳдумнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳ. Ғулум, Машғал. Миси чиқди қ. мис. Оғзининг бир чекка-сидан чиқиб кетади айтишга осон, айтаверди. Пулинга чечак чиққанми? қ. чечак II. Чувн чиқди қ. чув II. Юз жойига пичоқ урсанг, бир жойидан қон чиқмайди минг айтган билан миқ этмайди (эзиқа ёки гап юқмайдиган одам ҳақида). Юраги қинидан чиқаёзди қ. юрак. Ҳасратидан чанг чиқади қ. чанг I.

**ЧИҚ-ЧИҚ** **чиқ** с. тақр. Нури олтин занжирини бўйнига осди, соат кўкрагидан пастроқда юлдуздай ярқиради. Кулоғига тутди: «чиқ-чиқ». Ойбек, Қутлуғ қон. Пайтдан фойдаланиб Нажим «чиқ-чиқ» этказиб сурат оларди. Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. || Ҳа демай барени новддан ажраттиш учун ҳаракатга келган чопқи ва пичоқларнинг чиқ-чиқи авжга минди. С. Муҳидинов, Ипак қурти даҳада.

**ЧИҒ** тақл. с. Баъзи қушларнинг овози ҳақида. Қарқуноқ чиг этиб оғзини очди.

**ЧИҒАНОҚ** **диал.** Тисланмоқ, тисарилмоқ. От орқада чиғанди.

**ЧИҒАНОҚ 1** айн. шиллик қурт қ. шиллик II.

2 Баъзи умуртқасиз жониворларнинг, мас. моллюскаларнинг турли шаклларда бўладиган қосаси. || Чиғаноқ маржон. Чиғаноқ қулдон. ■ Сопол идишлик маҳаллий саз тупроқдан, бир оз йирик қум ва туйилган чи-

ғаноқ аралашмасидан ясалган. И. Жабборов, Кўхна харобалар сири.

3 *анат.* Тирсак; тирсак суяги.

**ЧИГАТОЙ** 1 Атоқли от (Чингизхоннинг тўрт ўғлидан иккинчисининг номи). **Чигатой улуси тар.** Чингиз давлатида Чигатой кўл остида бўлган халқ ва мамлакат.

2 Эски ўзбек тили ва адабиётининг революциядан олдинги ва ғарб шарқшунослигида қўлланилган номи. *Чигатой тили. Чигатой адабиёти.*

◆ **Чигатой гурунги тар.** ўзбек буржуа зиёлиларининг 20 асрнинг 20 йилларида вужудга келган реакция ташкилотининг номи.

**ЧИГИЛЛАМОҚ** «Чиг-чиг» овоз чиқармоқ, «чиг-чиг» қилмоқ (қушлар ҳақида).

**ЧИГИЛЛАТМОҚ** *чиғилламоқ* *фл. орт. н.*

**ЧИГИЛЛАШМОҚ** *чиғилламоқ* *фл. бирг. н.*

**ЧИГИР** 1 *айн. чархпалак* 1. *Чигир* Хоразм деҳқонларида асрлардан мерос қолган неча юз йилларнинг касофатидир. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Кудуқдан сув чиқарадиган қурилма.

**ЧИГИРИҚ** 1 Пахтани чигитдан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги кўл асбоби. *Чигириқда пахта тозаламоқ.* — Сандалнинг учинчи томонида, бир тўда чиқарилган пахта, орасидан, чигириқ кўринади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Чигириқдан ўтказмоқ** 1) чигириқ орқали ўтказиб пахтани чигитдан тозаламоқ; 2) *кўчма* обдан текширмоқ, ҳамма синовлардан ўтказиб текширмоқ. Минг бир чигириқдан ўтган Рашиан полонининг ўзи ҳам ҳозир кўп нарсаларга фаҳми етмай қолди. О. Ёқубов, Ларза.

2 Дорнинг энг тепасида дорбозлар ўйин кўрсатадиган нарвонга ўхшаш погонали қурилма. *Бетоб ва кекса бўлишига қарамасдан, Ҳакимжон ака, ўғиллари ва жиянлари билан мусобақа қилгандай, дорда ва чигириқда дўйнаб қўяди.* М. Қодиров, Кекса дорбозлар.

3 *айн. чигир.*

**ЧИГИРЛАМОҚ** 1 *айн. чиғилламоқ.* *Чумчуқлар зўр бериб чигирлар.. эди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

2 *тех.* Чигирдан ўтказиб ёймоқ, юпкаламоқ. *Резина(ни) чигирламоқ.*

**ЧИГ-ЧИГ** *чиг с. такр.*

**ЧК** «Чека» сўзидан қисқартма (катта ҳарфлар билан ёзилади).

**ЧОВ** 1 *анат.* Қориннинг пастки қисми билан сон оралиғи; бут. *Отнинг чови. Чов безлари.* — Қассобларнинг қўли тарози бўлиб қолган, қўйининг човига қўл югуртириб туриб, қанча ёғ, қанча ёғит қилишини айтиб берадиган одамлар, — деб ўйлади Шокиржон ака. С. Абдулла, Соялар. *Кулочлаб қамчи ур Фирнинг човига, От топилар, боланг Равшан топилмас, Асло қарай кўрма отнинг бетига.* «Равшан».

**ЧОВ** II *диал.* Эшкак.

**ЧОВГУН** Ўроқда чой қайнатиш учун мосланган идиш, чойдиш, қумғон. *Мис човгун. Чўян човгун. Човгунда чой қайнатмоқ.* — *Қўлимда пиеда билан чой тўла човгунни кўтариб энди югурган эдимки, устимдан худди жаладай қум ёғилди.* И. Шамшаров, Ошиқлар.

**ЧОВЛИ** Новда ёки симдан тўқилган, угра, шилпилдоқ ва ш. к. хамир овқатларни сузиб олиш учун ишлатиладиган чўмичисомн рўзғор асбоби. *Чўп човли. Сим човли.* **Човли солмоқ** (ёки *урмоқ*) 1) хамир овқатни ёки бирор нарсни човли билан сузиб олмақ; 2) *кўчма* бировнинг ишига аралашмоқ; ҳар нарсага суқилавермоқ, бурун суқмоқ. *Врачнинг иши — касалларни доволаш. Нигорага хайронман, ҳар нарсага ўз човлисини солавермай, тинчгина юрса нима қиларкин.* С. Анорбоев, Оксой.

**ЧОВУТ:** **човут солмоқ** (ёки *урмоқ, қилмоқ*) 1) куч билан ташланмоқ, сапчимоқ, ҳамла қилмоқ (овчи ёки йиртқич қуш ва хайвонлар ҳақида). *Бургут кўзичоққа човут солди. Йўлбарс ўз ўлжасига човут қилди.* — *Биз ҳар биримиз душманга арслондай човут қилишимиз керак.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) *кўчма* тажовуз қилмоқ, ҳамла қилмоқ, бостириб келмоқ. — *Чингизхон Машириқдаги барча катта-кичик ўлкаларни олиб бўлагач, барибир бизга човут солади!* — деди Инолчиқ. М. Осим, Ўтзор.

**ЧОВХОДА** *диал.* Эшкак.

**ЧОГАН** Шўрхоқ ерларда ўсадиган камбаргли ёввойи ўсимлик.

**ЧОДИР** [ф-т] 1 Матадан қурилган қапа; палатка. *Чодир тикмоқ. Чодир қурмоқ.* — *Тепаликда Шерназарбой ясовулбошининг чодир ва унинг ёнида қуролли навкарлари.* Ж. Шарипов, Хоразм. У [Тарас Шевченко] *ўзбекларни кўрган, суҳбатлашган, кўчма чодирларда ҳамда хонадонларда меҳмон бўлган.* М. Шарипов, Шевченко ўзбек элида.

2 *этно.* Гўшанга, чимилдиқ. *Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатик билан ҳужум бошлайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *этно.* Аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган махсус ёпинчиқ. *Бир вақт қаердан ҳам устига қора чодир ёпинча Есуман пайдо бўлармиши.* М. Исмоилйй, Фарғона т. о. *Қара, унинг кўксига юдуз, Меҳнатидан бўлмиш қаҳрамон. Сен-чи, нечун чодир ичиди, қолиб кетдинг, азизим, ҳамон.* Зулфия.

4 *кўчма* Парда, ёпинчиқ; уртук. *Сувга чодир бўлиб ёпирилган мажнунтол.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Юсак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муазам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган, ҳавони кулранг булут чодир тўсиб олган бир кун эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Чодир хаёл эск.** 1) киноэкран, парда; 2) кино ва умуман сахна томошалари. *Илгари хайит кунлари кўмир саройда қўғирчоқбозлик бўлар эди, «чодир-хаёл» бўлар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОЙ** [хит] 1 Барги дамлаб ичиладиган Жанубий ўлкаларда ўсувчи доимий яшил бута дарахти, бута. *Чой плантациялари.*

2 Шу ўсимликнинг қурийтиб махсус ишланган, майдаланган, дамлаб ичиладиган барглари. *Кўк чой. Ҳинд чойи. Цейлон чойи. Грузин чойи. Бир дамламоқ чой. Чой қути.*

3 Шу ўсимликнинг махсус ишланган баргларида дамланган хушбўй ичимлик. *Бир пиеда чой. Ачиқ чой. Иссиқ чой. Яхна чой. Сут чой сутли чой. Қора чой* 1) қуруғи қора тусда, дамланганда тўқ, қизғиш рангда бўладиган чой; 2) сутсиз чой. | Шу ичимлик билан бирга овқатланиш. *Эрталабки чой. Тушки чой.* — *Сидиқжон чойни кутмай, ишга кетди.* А. Қаххор, Қўшчинор. *[Анзират хола] чой маҳалида гоҳ кулиб, гоҳ итғламсираб ўзи, болалари.. тўғрисида гапирди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Чой қошиқ** ош қошиқдан кичикроқ металл қошиқ.

◆ **Чой пули** *айн.* чойчақа. *Олма чой қ.* олма.

**ЧОЙГУМ** *с. т.* Чойдиш.

**ЧОЙДИШ** Сув, чой қайнатиладиган металл идиш, қумғон. *Бир чойдиш чой. Чойдиш шақиллаб қайнади.* — *Қизим, дарвор чойдишини қўйиб юбор!* — деди Мўътабар. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *Меҳмонхона даҳлизиди, кўлида чойдиш кўтарган Раъно кўринди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тобига келган чойдишдек шарақлаб кулиб, Палмонтоз кириб келди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЧОЙДОН** [хит+ф-т] Чой идиш, чой қути.

**ЧОЙЖУШ** [хит+ф-т] *диал.* Чойдиш, човгун. *Нуғмонжон чойжўшни қайнатиш учун ўт ёқди.* О. Хусанов, Най.

**ЧОЙКОР** [хит+ф-т] Чой этиштирувчи деҳқон ёки хўжалик. *Грузин чойкорлари.* || *Чойкор колхоз.*

**ЧОЙЛАШМОҚ** Бирга чойхўрлик қилмоқ, чой ичишиб ўлтирмоқ, суҳбат қилмоқ. *Қодиров.. дўстлари билан чойлашиб, ишлар тўғрисида маслаҳатлашиб олганини айтди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧОЙНАК** [р чайник] Чой дамлаб ичиладиган, жўмракли ва дастали идиш, уй-рўзғор асбоби. *Чинни чойнак. Мис чойнак. Бир чойнак чой.* — *Бир қўлида чилми, бир қўлида чойнак кўтариб, йўл устида чойхоначи югурдаги турадди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОЙПОЯ** [хит+ф-т] Дала-даштда сув-чой қайнатиш учун ясалган қурилма; уч ёқ.

**ЧОЙФУРУШ** [хит+ф-т] Чой савдоси билан шуғулланувчи савдогар. *Тимнинг икки томонидаги қатор дў-*



кон-расталарда чойфуруш эронийлар.. улгуржи савдон кутардилар. Ш. Тошматов, Эрк куши.

**ЧОЙФУРУШЛИК** I чойфуруш с. касб оти. [Бойларни] баъзилари Тошкент бозорларидаги расталарда чиффурушлик, чойфурушлик.. дўконлари очиб савдо қилар эди. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

2 Бозорда чой дўконлари қатори, растаси.

**ЧОЙХОНА** [хит+ф-т] Дамланган чой, қанд-қурс, нон ва ш. к. билан халққа хизмат қиладиган, баъзан чойхўрлик ва гурунг билан ҳордиқ чиқариладиган, маданий-маиший муассаса; самовар, самовархона. Маҳалла чойхонаси. Чойхонада тушлик қилиб олмақ. ■ Иигит сўл ёқдаги чойхонанинг каравотига ўтирди. Ойбек, Қутлуг қон. **Қизил чойхона** чойхўрликдан ташқари маданий-оқратув ишлари ҳам олиб бориладиган янги типдаги чойхона. *Бўтабой ака правление аъзолари билан маслаҳатлашиб, уни янги қизил чойхонага мўдир қилиб тайинлади.* А. Қахҳор, Қўшчинон.

**ЧОЙХОНАЧИ** Чойхонада хизмат қилувчи, чойхонада чой сотувчи ёки чой ташиб берувчи киши.

**ЧОЙХҲР** [хит+ф-т] I Чойни яхши кўрадиган, кўп чой ичадиган. *Чойхўр одам.*

2 Чойхонада чой ичувчи, мижоз. *Куз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧОЙХҲРЛИК** Чой ичиб, суҳбатлашиб вақт ўтказиш.— *Бир чойхўрлик қилиб юборайлик-а? — деди у айрига мис чойнак осиб.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧОЙЧАҚА** I Майда кўча харажатлари учун мўлжалланган оз миқдордаги пул; чой пули. *Ота чойчақага муҳтож бўлиб, бозор кунлари Қўйлиқда ҳаммолик қилди.* Х. Фулом, Машъал. *Агар Шоқосим иш билан ўзини ёқтирса, хўжайин ўз билгича «чойчақа» ҳам бериб туради.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Унча-мунча хизмат учун бериладиган ҳақ, хизмат ҳақи.— *Раҳмат, қори! — деди чойчақани ёнига жойлаб олган домла.* Ғайратий, Довдираш.

**ЧОЙЧУП** [ф-т] Чўл-қумда ўсадиган, хушбўй, оч бинафша ранг гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

**ЧОЙШАБ** [ф-т] Урин-тўшак устида ёзиладиган яланг қават ёпинчиқ. *Ипак чойшаб.* ■ *Диванга ҳам оқ чойшаб сирилган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Болам бечоранинг юзи ёмон зарб ебди .. Кеча келсам, каравотда чойшаба бурканиб ётибди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧОК** I Газмол, тери ва ш. к.дан тикланган буюмларнинг тикиб бириктирилган жойи. *Кўйлак чоки.* Маҳсининг чоки сўкилибди. Чокидан йиртилди. ■ *Мунча ҳам бежирим қўл хунарингиз .. Ҳар қатим, ҳар чоқда*

*катта маҳорат.* Ғайратий. [Тикувчилик, тикувчилик иши, тайёр иш. Чок тикмоқ. Унинг чоки яхши. ■ [Ойнаса] чала чокларни тикмоқчи бўлди-ю, қўли ишга бормади. Х. Фулом, Тошкентликлар.

2 *тех.* Деталларнинг пайвандлаб, парчинлаб ёки бошқа бирор усул билан уланган жойи. *Пайванд чок. Учма-уч чок. Устма-уст чок.*

◆ **Чок қилмоқ** (ёки этмоқ) йиртмоқ, пора-пора қилмоқ. *Юраги (ёки бағри, дили) чок бўлди* юраги пора-пора бўлди.

**ЧОКАР** эск. Хизматкор, чоракор, малай, муфти — бари бойнинг чокари, *Қамбағал шўр аввалдан хизматкори.* Эргаш шоир.

**ЧОКЛАМОҚ** Чокини тикмоқ, чокини тикиб уламоқ. *Кўрпанинг астарини чоқлади.*

**ЧОКЛАНМОҚ** чоқламоқ *фл.* ўзл. ва мажх. н.

**ЧОКЛАТМОҚ** чоқламоқ *фл.* орт. н.

**ЧОКЧИ** I Фақат бичилган нарсаларни тикувчи хунарманд.

2 Тикувчи, каштачи, чевар.

**ЧОКЧИЛИК** чокчи с. касб оти. [Хосият буви] *Қаримжон машиначиға битта тўнни ўттиз пуддан тикиб, роса ўн саккиз йил чокчилик қилган.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ЧОК-ЧОК:** чок-чок бўлмоқ I) чок-чокидан сўкилмоқ. *Кўйлаги чок-чок бўлди;* 2) *кўйма* пора-пора бўлмоқ. *Юраги чок-чок бўлди.* **Чок-чок қилмоқ** (ёки этмоқ) I) чок-чокидан сўкмоқ; 2) *кўйма* пора-пора, тилка-пора қилмоқ. *Ҳақиқат бўлган машъум замонда, Ёқанг чок-чок этиб изладине бахтни.* Э. Раҳим.

**ЧОЛ** Қари эр киши; қария; кекса, мўсафид. *Нуроний чол. Донишманд чол.* ■ *Гўё бу сеҳргар чол ҳамма нарсани бетдан ўқиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бояги ёғоч ва бордонлар орқасидан олтмиш ёшлардаги бир чол арава миниб чиқди.* А. Қахҳор, Қўшчинон.

◆ **Чолни кўриб, бобом дема!** таний олмай адашган, янглишган кишига айтиладиган ибора.

**ЧОЛ-КАМПИР**, **чолу кампир** I Кексайган ота-она; кексайган эр-хотин. *Чол-кампирим бор, нима ғамим бор!* ■ *Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради.* А. Қахҳор, Асрор бобо.

2 Умуман кекса эркам ва хотин. *Қишлоқнинг ҳамма чол-кампирлари йиғилди.*

**ЧОЛҒУ** I Музика асбоби. *Ўзбек халқ чолғулари. Чоғлу асбоби.* ■ *Ўқтам чолғуни созлаб, одимларини секинлатиб, атайин шўх куйларни янгради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Машиқлар чолғуларини кўлга олдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Музика асбобларида ижро этилган куй, оханг; музика. *Унинг асл исми Наби. Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари*

*уни «гул» — «Набигул» деб атаганлар.* А. Қахҳор, Қанотсиз читтак.

**ЧОЛҒУЛИ** эск. айн. музикали. *Чолғули драма. Чолғули асар.*

**ЧОЛҒУЧИ** Чолғу чалувчи созанда; музикант. *Чолғучининг рубоби Йиғлади, чекди фарёд.* Ғайратий. *Ашулчиларни, чолғучиларни ва раққосаларни [отам] баланд овоз билан: — Офарин, балли, барака топ, ўлма, яша! — деб олқишларди.* Айнний, Эсдаликлар.

**ЧОП** [ф-т]: **чоп қилмоқ** (ёки этмоқ) нашр этмоқ, матбуотда босиб чиқармоқ. *Китоб чоп этилди.*

**ЧОПАР** тар. Муҳим ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган отлик, сувори. [Хусайн:] *Балхдан чопар бор, инингиз Дарвеш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Илолининг ҳокими хона чопар йўлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЧОПАҒОН** с. т. Тез, яхши юғурдиган; чопқир. *Чопағон от.* || *Яшил майдон атрофидаги йўлкача чопағонлар чиқшиди.* С. Нуров, Чопағон.

**ЧОПАҒОНЛИК** чопағон с. белги оти.

**ЧОПИЛМОҚ** I чопмоқ I 2 *фл.* мажх. н. *От чопилиб соғу сўлга, Бу шаҳардан чиқди йўлга.* «Ширин билан Шакар».

**ЧОПИЛМОҚ** II чопмоқ II *фл.* мажх. н. *Богда саккиз узун ишком, ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопилган.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧОПИШМОҚ** I I чопмоқ I *фл.* бирг. н. *Кўчага чопишиб чиқшиди.* ■ *Отабек билан кетма-кет чопишмоғимиз ҳам унча маъқул кўринмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бир-бири билан ким ўзиш ўйнамоқ, югуришдан мусобақа қилмоқ. *Қани, чопишасми мен билан.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧОПИШМОҚ** II чопмоқ II *фл.* бирг. н. *Қилич билан чопишди. Болта билан чопишди.* Ғўзани кетмон билан чопишди.

**ЧОПИШТИРМОҚ** чопишмоқ I *фл.* орт. н. *От чопиштирди.*

**ЧОПИҚ** қ. х. Ўсимликларнинг ости, ён-бағирларини чопиб юмшатиш. *Ғўза чопиғи. Сабзавот экинлари чопиқдан чиқди.* ■ *Чопиқ тонготардан кунботаргача давом этадиган бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йўлчи чопиққа тушмасдан аввал, соч олдириш учун гузара чиқди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Чопиқ трактори** экинларнинг қатор ораларига ишлов берадиган трактор.

**ЧОПИҚЧИ** Чопиқ қилувчи, чопиқ ишларини бажарувчи деҳқон. *Қумғонда чой келиши билан .. чопиқчилар чуғурчўкдек қумғонга ёпишдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Тогдан эсан шабада .. қизил, кўк, оқ ва сариқ кўйлакли чопиқчи аёлларнинг чекка сочлари ва бошларидаги рўмолларини бетиним елпийди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЧОПМОҚ I** I Ирғишлаб бирор йўналишда тез ҳаракат қилмоқ, югурмоқ. *Бола настеа томон чопди.* — У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираб, олдинча чопди. Ойбек, Қуёш қораймас. *Аргумоқлар чопганда, янгерар колхоз даласи, Ейилади қирларга чўпоннинг шўх ялласи.* А. Пўлат.— *Сен, чопиб гузарга чиқ!* — деди маҳдум болага. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 От қўймоқ, отни елдирмоқ. *От чопмоқ. Улоқ чопмоқ.*

3 Ирғимоқ, ошмоқ (эркак ҳайвон ҳақида).

◆ **Бахти чопди** бахти, омади келди. *Меҳнаткашлар ҳарна кучини йиғиб, Бир кетмон урганда юз кетмон тегиб, Ҳар бир зарби душман қаддини эгиб, Бахти чопган меҳнаткашлар кунидир.* Фозил шоир. **Бетга (ёки юзга) чопмоқ** раъя-андиша қилмай қаттиқ, шартта гапирмоқ. *Бечора Зеби .. Қанчадан-қанча заҳру заққум ютди-ю, ҳеч кимнинг раҳми келмади. Ёрдан қилиш йўрнига юзига чопдилар, нолойиқ хотин, қўшини мизнинг тенги эмас, дедилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. **Қўнгли чопмади** юраги бетламади, юраги дов бермади.

**ЧОПМОҚ II** I Тигли асбоблар билан зарб бериб парчаламоқ, ёрмоқ, кесмоқ. *Пойтеша билан ёғоч чопмоқ. Деворни чопиб текисламоқ.* | Тигли асбоблар билан зарб бериб ўлдирмоқ, кесмоқ. *Қилич билан ёвни чопмоқ. Юртдан айрилганни ёв чопар.* Мақол. — *Қочма, чопиб ташлайман! Қудрат қочини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўсимлик ости ва атрофини юмшлатмоқ; чопиқ қилмоқ. *Ғўзаларни чопмоқ.* — *Кетмон чопдим, тер тўқдим, Арпа, Бугдой-дон эқдим.* Қ. Муҳаммадий. | Ерни кетмон ва ш. к. билан ишламоқ, ҳайдамоқ ёки кавламоқ, қазимоқ.

**ЧОПОВУЛ** диал. Югурдак, хизматкор.

**ЧОПОН** Устки узун ўзбек миллий кийими; тўн. *Беқасам чопон. Пахтали чопон. Авра чопон. Чопон кийгизмоқ.* — *Қиш кунни гулхан камбағал учун ҳам чопон, ҳам тўшак, ҳам палов.* Ойбек, Қутлуг қон. *Қизнинг эғнида қора чопон, оёқларида юмшоқ бир нарса бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Юсуфбек ҳожини эғнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Бир чопони икки бўлмади** қашшоқликда кун кечирди; косасин оқармади; ёлчимади. *Ўзингиз биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмайди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки бўлмади.* Ойбек, Қутлуг қон. **Чопонини тескари киймоқ айн.** тўнни тескари киймоқ қ. тўн. Эски чопонлар эск. камбағал одамлар, қашшоқлар. Эски чопонлардан битта-яримтаси соддадиллик билан мабодо келиб қолса, тўйбошилар-

нинг кўзлари оялади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧОПОНФУРУШ** Чопон, тўн билан савдо қилувчи, чопон сотувчи. *Рўзиматнинг отаси .. маҳалласидаги Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**ЧОПТИРИШМОҚ I** чоптирмоқ I фл. бирг. н.

**ЧОПТИРИШМОҚ II** чоптирмоқ II фл. бирг. н.

**ЧОПТИРМОҚ I** I чопмоқ I фл. орт. н. *Чўпон йиғит отини чоптириб кетди.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 с. т. бол. Шариллатиб сиймоқ (эркаклар ҳақида). *Анов бойваччанинг устига чоптирайми! Жуда қистаниб турибман.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧОПТИРМОҚ II** чопмоқ II фл. орт. н. *Гўшт чоптирмоқ. Ер чоптирмоқ. Ғўза чоптирмоқ.* — *Инжиқободдаги мактаб боғига олиб бориб, олма-ларнинг тазини чоптирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧОП-ЧОП** Бирор ишни битириш учун бир югурниш; югур-югур. — *Оҳ!* — деди [Латиф] овози дўриллаб, — *биз ҳамма ёққа чоп-чоп қилиб, жон куйдириб юрбимиз.* О. Ёқубов, Ларза.

**ЧОПҚИ** Шох-шабба қирқиш, гўшт, пийёз қиймалаш ва ш. к. ишларда ишлатиладиган катта ва оғир, пичоққа ўхшаш рўзғор асбоби; ошпичоқ. *Чопқида гўшт қиймаламоқ.* — [Қарим темирчи]. *чархланган ўроқ ва баргесар чопқилар устига қозикдаги қора сатин тўнни ташлади.* И. Раҳим, Ихлос. *Ҳа демай барени новдадан ажратиш учун ҳаракатга келган чопқи ва пичоқларнинг чиқ-чиқи авжга минди.* С. Муҳиддинов, Ипак курти даҳада.

**ЧОПҚИЛАМОҚ** Чопқи билан бирор нарсани кертмоқ, қиймаламоқ ёки чопмоқ.

**ЧОПҚИЛАНМОҚ** чопқиламоқ фл. мажҳ. н. *Чопқиланган қийма.*

**ЧОПҚИЛАТМОҚ** чопқиламоқ фл. орт. н. *Гўшт чопқилатмоқ.*

**ЧОПҚИЛЛАМОҚ** Тез чопмоқ, юрмоқ; югуриб, елиб, учиб бормоқ. [Тоғаржон] *чопқиллаб бориб [тоғаржон] ачом-ачом қилди.* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Эшикдан чопқилаб Кенжа кириб келди.* Н. Фозиллов, Оқим. *Эъоззон Ботиралининг ёнбошида ҳамон чопқиллаб юриб келарди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

**ЧОПҚИЛЛАТМОҚ** чопқиламоқ фл. орт. н. *Врачга одам чопқиллатдик.*

**ЧОПҚИЛЛАШМОҚ** чопқиламоқ фл. бирг. н. *Яна қий-чув зўрайди.* Болалар .. *у ёқдан-бу ёққа чопқиллашарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧОПҚИН** Тигли қурол-яроғ билан ёппасига чопиш, кесиш; қирғин. [Алимқулбек] *умрининг кўпчилиги жонталашларда, чопқинларда ўтган.* Мирмуҳсин, Тунгчи чақмоқлар.

**ЧОПҚИР** Тез чопадиган, елдай югу-

радиган; чопагон, учқур, югурик. *Чопқир бола.* *Чопқир от — ўтқир пичоқ.* Мақол. — *Ёз кунларининг бирида тоққа Махсум келиб қолди. Остида қоп-қора зулуддай чопқир от.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳорманглар, ҳормасинлар, хоннинг тортиғига сазовор бўлган чопқир лочинлар! Ойдин, Гулсанам.*

**ЧОПҚИРЛИК** чопқир с. белги оти. *Туркман отлари чопқирлиги билан машҳур.*

**ЧОР I** [ф-т] Тўрт, тўртта. *Чор фасл.* — *Кекса қайрағоч чайлани ва унинг чор атрофини ўз бағрига олиб, бўрон, селдан, қуёш қизғидан каттақон соябондай сақлаб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Чор айланмоқ** гир айланмоқ. [Маҳмуд] *атторлик дўкон эғаси сифати билан савдо бозорини чор айлана бошлади.* Н. Сафаров, Ниқоб йиртилди. **Чор ишқал** қўл, оёқ ва кўз-қулоқ. **Чор ишқали бут I** тўрт мучаси бут, соғлом; 2) кўйма ҳамма ишни жойида, хотиржам. **Чор улфат** ёки **улфати чор** тўрт улфат, тўрт дўст; улфатлар, дўстлар. *Улфати чор, анда маза бор.* Матаг. — *Бу «улфати чор» ичида катта саллали оптоқ соқолли, лекин вазожати йиғитдай, бир кекса киши.. диққатни ўзига жалб этади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЧОР II** [р царь] тар. Россия подшоши. *Чор ҳукумати. Чор Россияси.* — *Чор тахтини йиққан ишчилар, Деҳқон қўлин сиққан ишчилар.* Ё. Мирза.

**ЧОРА** [ф-т] I Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи; тадбир. *Амалий чоралар. Кескин чоралар. Эҳтиёт чоралари. Эпидемияга қарши кураш чоралари.* — *Ўрмонжон.. колхоз ва колхозчининг иқтисодини кўтариш чораларига кўпроқ аҳамият берди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Жазо чоралари** маъмурий ёки суд йўли билан бериладиган жазолар. **Маъмурий чоралар** маъмурий йўл билан бериладиган жазолар.

2 Бирор қийинчиликдан, мураккаб аҳволдан қутулиш воситаси; илож, йўл. *Чора изламоқ. Чора топтомоқ.* — *Кўрсатинг ишқ йўлида, Менга бир кўмак, чора. Ғайратий. Дохунда деб аталган кишининг итоатдан бўлак чораси йўқ эди. Айнй, Дохунда. Шунча йил кутдик, — бўлмади, энди чора қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Долон ўртасида тезак тутаб туради. Бу чивинлардан сақланиш учун бир чора.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Чора кўрмоқ I** тадбир кўрмоқ; бирор мақсадни, ишни амалга ошириш ёки унинг олдини олиш учун зарур шароит яратмоқ. *Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишларида қулай шароит яратиш учун ишчилар чора кўрилар деган умиддамиз.* К. Қудратов, Умид; 2) иложини, йўлни топ-

моқ, иложини қилмоқ; 3) жазо, тан-бех бермоқ.

**ЧОРА** Катта ёғоч тоғора. *Дастурхон ёзилиб, каттакон чора товоқда архар ёйити келтирилганда, Махсум меҳрибонлик билан сўз бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧОРАБЗАЛ** [ф-т+а] Керакли нарсалар, асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар ва ш. к.нинг жами. *Ишнинг чорабзали бут. Тўйнинг чорабзали тахт қилинди. Сафарга чиқиш учун чорабзал шай қилинди.*

**ЧОРАК** [ф-т] 1 Тўртдан бир улуш; тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири. *Чорак аср. Чорак кам бир соат.* ■ Манзилнинг чораги ҳам босилмаган эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *Диал.* Баъзи районларда беш пудга, баъзи жойларда беш қадоққа, яъни икки килограммга тенг оғирлик ўлчови. [Бой:] *Мана, .. Икки юз сўм.. икки чорак ун, битта қўй.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Сиз мана шу пулга .. бир чорак эт келтириб, шўрва қилиб берсангиз!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Ўқув йилининг тўртинчи бир қисми. *Биринчи чорак. Чорак баҳолари.* ■ Чорак охирида қаққрилган отаналар мажлисига Мардон ойиси билан борди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. *Уша йили кўзда Бегимхон еттинчи синфнинг биринчи чорайдан кетиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧОРАКОР** [ф-т] *тар.* Кимсанинг ерида, унинг от-улови ва иш-қуролларидан фойдаланиб ҳосилнинг тўртдан бирини олиш шарти билан ёланиб ишлаган дехқон. ■ *Тожибойнинг ҳам қилмаган иши қолмаган. Чоракор ҳам бўлган, мардикор ҳам ишлаган.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ЧОРАКОРЛИК** чоракор с. *мавҳ. от.* [Эшбой] қишлоқда Йўлчининг қўйиниси бўлиб, Саримсоқбойнинг ерида чоракорлик қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОРАКТА** Чорак катталигидаги, чорак қисмга тенг. *Чоракта нон.*

**ЧОРАСИЗ** 1 Амалга оширишнинг ёки олдини олишнинг иложи бўлмаган; чораси йўқ, иложсиз. *Чорасиз дард. Чорасиз иш.* ■ *Ароқни чорасиз худди заҳри қотил ичмоққа мажбур бўлган бемор сингари лабига яқинлаштириди-да: «Қўйинглар!» дегандек бир зум ўртоқларига қаради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Мушқул, ноилож аҳволга тушиб қолган; ночор, бечора. *Чорасиз чол. Чорасиз она.*

**ЧОРАСИЗЛИК** 1 чорасиз с. *белги оти.* Йўли унинг [деҳқоннинг] ичга ботган чуқур кўзларида чорасизлик қайғусини, машаққат оғирлигини кўрди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Чорасиз аҳвол. *Чорасизликда қолмоқ.*

**ЧОРАСОЗ** [ф-т] кам қўлл. Тадбиркор, тадбирли, ишбиларман. *Тўғон-*

*бек каби пухта, чорасоз одамлардан бир нечасини шаҳарда ўз хизматларига олурлар.* Ойбек, Навоӣй.

**ЧОРБОЗОР** [ф-т] *тар.* Ҳафтанинг ҳар хил кунларида, бошқа-бошқа яқин қишлоқларда бирин-кетин ўтказиладиган бозорлар. *Пиёз яхши битган билан нархи арзон, Сотолмасдан чорбозорда бўпти сарсон.* Ғ. Ғулом.

**ЧОРБОЗОРЧИ** *тар.* Чорбозорда савдо-сотик билан шуғулланувчи савдогар. *Чорбозорчи жаллоблар.* ■ [Йўлчи] кейинроқ гапнинг мазмунидан, бу кишининг чорбозорчи, яъни шаҳар атрофидаги қишлоқларга қатновчи бир савдогар эканини .. англади. Ойбек, Қутлуғ қон. *Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг кунини тугди.* С. Абдулла, Соялар.

**ЧОРБОҒ** [ф-т] Шаҳардан ташқаридаги ҳовли-жойли, қўрғонли боғ, боғча. *Баҳор кунлари эди. Чорбоғдаги дарахтларни бутаб, остини юмшатиб, лонуштага ўтирдик.* С. Нуоров, Лола.

**ЧОРБУРЧАК** *айн.* тўртбурчак. *Чорбурчак хона. Чорбурчак гишт. Чорбурчак қоғоз.* ■ [Муборак опа] *бир лаҳзадан кейин оқ докага ўралган чорбурчак бир нарсани кўтариб чиқди.* О. Ёқубов, Ларза. *Бир танобдан мўдроқ чорбурчак ташқарининг ҳар томони диққатни жалб қиларли эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОРВА** [ф-т, асли чор+по] Қишлоқ хўжалигида: тўрт оёқли моллар. *Соҳа хўз чорваси. Чорва моллари. Чорва қишлови.*

◆ *Чорва одам с. т.* содда, оқ кўн-гил одам.

**ЧОРВАДОР** [ф-т] *айн.* чорвачи. *Илғор чорвадорлар. Чорвадорлар қурултойи.* || *Очила Зарафинон тизма тоғи этагида чорвадор ва боғдор қишлоқда ўсган.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ЧОРВАДОРЛИК** *айн.* чорвачилик. **ЧОРВАЧИ** Чорвачилик билан шуғулланувчи киши. *Бунни қаранеки, бутун бобокалони билан бу дунёга икки кўзи боғли келиб, боғли кетган чорвачи қашшоқнинг боласи дўхтир [доктор]!* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧОРВАЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг чорва моллари боқиш ва чорва маҳсулотлари етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси. *Чорвачилик соҳаси. Чорвачилик маҳсулотлари.* ■ *Бу — чорвачилик илмий-тектириш институтидан олинган «Рекорд» зотли қўчқорлардан бири.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧОРГОҲ** [ф-т] Ўзбек классик куйларидан бирининг номи. *«Чоргоҳ» неча юз йиллардан бери айтилиб келган бўлса, яна юз йиллар бўйи айтилиши мумкин.* С. Хўжаев, Қурмак.

**ЧОРДАНА:** *чордана курмоқ (ёки куриб ўтирмақ)* оёқларни тиззадан букиб ва тиззадан пагини бир-бирига чалкаштириб босиб ўтирмақ. *Уста Фарфи.. чўккалашини бузиб чордана куриб олди.* А. Қодирӣ, Ўтган кун-

*лар. Бойвачча чордана куриб ўтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОРДАРД** [ф-т] Бола туғишдаги дард; тўлғоқ.

**ЧОРДЕВОР** [ф-т] Ҳамма томонни девор билан ўраб олган, тўрт девор.

**ЧОРДОҚ** [ф-т] *айн.* чердак. *Душман кучлари томлардан, деразалардан, чордоқлардан туриб бизни ўққа тутди.* Ж. Камолов, Жиддий синовлар.

**ЧОРЁР** [ф-т] *дин.* Муҳаммаднинг тўртта энг яқин сафдоши; энг олдинги тўрт халифа (Абубакир, Умар, Усмон, Али). *Олинг, олдирманг, .. чорёр мададорингиз бўлгайлар!* — *деб халифа .. уйдан чиқдилар.* Айний, Қуллар.

**ЧОРЗАРБ** [ф-т+а] Ўзбек классик куйларидан бирининг номи.

**ЧОРИ** Дон маҳсулотларининг ғал-вирлаб тозалашда, элашда ҳосил бўладиган қолдиғи. *Бозорга хирмоннинг фақат чориси қолди.* Айний, Дохунда.

**ЧОРИЗМ** [р царизм] Россия подшоҳининг, монархининг чекланмаган ҳокимиятига асосланган давлат тузуми.

**ЧОРИКОР** [ф-т] с. т. Чоракор.

**ЧОРИҚ** Каттик хом теридан тикилган, асосан тоғлиқ район халқлари орасида расм бўлган оёқ кийими. *Мен чўпон отанинг ўғли бўлиб қолдим. Наввос терисидан чорик, қоракўлдан телпак тикиб берди.* И. Раҳим, Оловкор. **ЧОРИҚ СУДРАМОҚ** бири икки бўлмай, ҳеч нарсага ёлчимамай кун кечирмоқ. *Қийинчиликка қийин, болам. Лекин чоригимизни судраб юрибмиз.* Ойбек, Қутлуғ қон. **ЮЗИ ЧОРИҚ** юзи шумшук; юзи хунук. *Борнинг юзи ёруғ, йўқнинг юзи чорик.* Мақол.

**ЧОРКУЧА** *айн.* чорраха.

**ЧОР-НОЧОР** [ф-т] *реш* 1 Ноилож; истар-истамас. *Чор-ночор рози бўлмоқ.* ■ [Отабек] қаришдан .. келувчи Раҳматни кўрди ва чор-ночор сўрашмоққа тўғри келди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Омон] *чор-ночор тошкентлик қўйичи боллардан биттасига бир йилга икки тўқлию, бир эчкига чўпонликка ёлланибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Муҳтожлик билан, муҳтожликда. *Чор-ночор кун кечирмоқ*

**ЧОРПАЛАК** [ф-т] Бодринг, қовун, ғўза сингари ўсимликларда тўртинчи барг чиқарган ниҳол. *Ғўзалар чорпалак бўлиб қолди.* | Шундай ниҳоллар чиқариш даври.

**ЧОРПАҲИЛ** [ф-т] Тўладан келган, яғрини кенг; ғўлабур, миқти. *Чорпаҳил йегиш.* ■ *У [Султонмурод] йўғон, чорпаҳил гавдали, дуккам-дуккам қизғиш мўйловли киши эди.* Ойбек, Навоӣй. *Бу чорпаҳилдан келган йегишнинг очган қўриқларини кўриб, оғзи очилиб қоларди.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди.

**ЧОРПОЯ** [ф-т] Очик ҳавода ўлтиришга, ётишга мўлжалланган тўрт оёқли ва панжарали катта кенг ёғоч қаравот, сўри. *Адолатга ҳовлида чорпойда ётган Усмоҳжоннинг нафаси ҳам эшитилиб турар эди.* С. Зунну-

нова, Гулхан. *Нуроний мўсафидлар, оқсоч оналар чорпояларда ноз-неъмат, шира-шарбат тўла дастурхонлар атрофида гурунги қилиб ўтирадидилар.* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

**ЧОРРАҲА** [ф-т] Кўчаларнинг кесилиши, серкатнон, гавжум жойи; чоркўча. *Темирчилик устахонаси қишлоқ марказида, катта чорраҳада, эски тақачилик дўконига жойлашган.* И. Раҳим, Куз лавҳалари. *Отлар .. таниш чорраҳада етганда таққа тўхтади.* М. Мурхамедов, Қахрамон узидан.

**ЧОРСИ** [ф-т] 1 сфрт Тўрт томони тенг тўртбурчак шаклидаги; квадрат. *Чорси рўмоқ. Чорси ҳовли. Чорси ҳовуз.* — *Обком секретариининг чорси қабулхонаси деярли кимсасиз, жимжит.* О. Ёқубов, Ларза.

2 от, диал. Белбоғ. *Гулноз яқиндагина қирқилган йўғон толнинг супрадай тўнқасига йўлдошининг чорсисини ёзди.* Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ЧОРТАНГ** [ф-т] Қизгин, жўшқин, жонли (гап, суҳбат ва ш. к. ҳақида). *Чортанг суҳбат. Чортанг ўлатириш.* — *Шоирнинг одатда суҳбат қурадиган хонасида кирганида, гап чортанг эди.* Ойбек, Навоий.

**ЧОРТОР** [ф-т] Тўрт торли музыка асоби.

**ЧОРТОҚ** [ф-т] Хонларга, бекларга мансуб хашаматли бино; сарой, қаср. *Тунов кун Бадизуззамонмирзо ўз чортоқида .. бир мажлис тартиб бермишлар.* Ойбек, Навоий.

**ЧОРХАРИ** 1 Тўртта кесилувчи хариси бўлган, тўрт харили. **Чорхари уй** (ёки айвон) ўртадаги битта устунга таянувчи тўртта харили катта квадрат хона, айвон. [Бойқаро] *боғинча бир четида нақиллари эскирган каттагина чорхари уйда кўпинча ёлғиз ўтирадиди.* Ойбек, Навоий. *Чорхари айвоннинг ўрта бир ерида .. савсар пўстин ки-йиб бир киши ўтирадиди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Моллар турадиган бостирма. **ЧОРЧИЛАЛАК** диал. Тўрт гилдиракли. *Чорчилалак файтониға тушиб, булоқларни бир томоша, сайр қилайлик.* «Нигор ва Замон».

**ЧОРЧЎП** [ф-т] 1 Тўртта тахтачадан тузилган рамка. *Тўрда Дилнавознинг ихчамгина чорчўпга солинган сурати.* С. Қароматов, Тоғлар табассуми.

2 бнқ. *Иморатнинг тўрт девори пой-деворига қўйиладиган тўрт тагсинч.* **ЧОРШАНБА** [ф-т] Ҳафтанинг яқшанбадан кейинги учинчи куни. *Йиғилиш ҳар чоршанба бир марта бўлади.* — *Қосиб чоршанба кунни бозор қилмаса, бир ҳафтагача қўли боғланиб қолади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧОРҚИРРА** 1 Тўрт қиррали, тўрт томони бир хил, тенг. *Чорқирра ёғоч.* — *У [қороеул чоғ] кираверишдаги девор соати ўрнатилган чорқирра устун тағида .. ўтирадиди.* О. Ёқубов, Топилган қиз.

2 Буғдой нави.

**ЧОТ** Икки сон ораси; бут оралиги.

**ЧОЧ** с. т. Соч, зулф.

**ЧОЧВОҚ** с. т. Сочбоғ.

◆ **Чочвоқ ўт** пояси сутли ёввойи ўсимлик.

**ЧОЧИЛМОҚ** чочмоқ фл. мажх. н.

**ЧОЧИК** I с. т. Сочиқ, лунги.

**ЧОЧИҚ** II I Сочилган, сочилиб ётган; паришон.

2 этн. Тўйларда куёв, янги туғилган ёки хатна қилинадиган бола бошидан сочиладиган ва асосан, болалар талашиб-тортишиб териб оладиган майда пул, ширинлик ва ш. к.; сочқи. *Куёв поччангиз Келди қочингиз, Чочиқ чочингиз, Йўлни очингиз.* Ғ. Ғуллом.

**ЧОЧМОҚ** с. т. Сочмоқ; сепмоқ.

**ЧОЧОҚ** Сочоқ, попуқ. *Дастурхон чочоғи. Чочоқ гулли ўсимлик.* —

*Хўп томоша қилгин, тўрам, Тилла ҳайкал чочоғима, — деди Зулфизар Авазхонга.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ЧОЧОҚБОШ** Чочоқ бошли супургисимон гулли ўсимлик.

**ЧОЧПОПУҚ** с. т. Сочпопуқ.

**ЧОЧҚИ** айн. **чочиқ** II 2. Тўй эгаси чочиқ соғди.

**ЧОШ** I Тозаланган ғалла, пахта ва ш. к.нинг хирмондаги уюми; уюлган ғалла, хирмон. *Қариндошингни ошга чақир, чошга чақирма.* Мақол — *Ҳайдар ғалвири олиб, чош бошига келиб тўлдирди.* Айний, Қуллар.

2 рви Лиммо-лим, лиқ тўла. *Ошга чош тўрт пиёла гуруч солинди.* **Чош қилиб** лиммо-лим тўлдириб, уйиб.

◆ **Чош ғалвир** йирик кўзли ғалвир.

**ЧОШГОҲ** [ф-т] Эрталаб кун анча кўтарилиб қолган вақт. *Кун чошгоҳга етганда, Отабек сарой дарвозасидан чиқди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Эгатга сувни эрталаб бир миқдорда, чошгоҳда бир миқдорда .. тараш лозим.* М. Ғофуров, Сувчилик санъати.

**ЧОШГОҲЛИК** Чошгоҳ пайтидаги енгил овқат; нуношга.

**ЧОШ-ЧОШ** рви Тўла-тўла, лиммо-лим тўлдириб, тошириб. *Чош-чош тўрт пиёла гуруч.*

**ЧОҒ** I Вақт, давр; пайт, кез, он. *Тонг чоғи. Экин экиш чоғи. Суҳбат чоғи. Кетар чоғи. Шу чоққача. Бирга умр кечирилган чоғлар. Хурсандлик чоғлари.* Ёш чоғим — олтин чоғим. Мақол. — *Сидиқжон бу чоғ қиз боланинг тақдири тўғрисида ўйлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Туш чоғида икки ёв бир-бирларига қариши келишдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Абдурасул икки яшар чоғида .. ер тўлада иситмалаб, ўлиб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Чоғи** келганда 1) кези, вақти келганда; 2) баъзан.

**ЧОҒ** II Хурсанд, шод. *Қарга «қағ» этади, ўз вақтини чоғ этади.* Мақол. — *Ефим Ефимович .. ўзининг жонидан ширин фарзандларини меҳрибон кишилар қучоғида кўриб, ғам-қулфатлари унутилган, вақти чоғ эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мен энангман, кўпдир қайғу ҳам доғим, Сен билан чоғ бўлар менинг димоғим.* «Равшан».

**ЧОҒ** III Ўлчови, ўлчами мўлжалдан

кичик, кичкина. **Қадди чоғ.** — [Биз] *жуссаси чоғ бўлса ҳам, чайирдини, юрагида ишқ ўти кўпроғини танлаб олдик.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. | *Тор. Этик чоғроқ келди. Саҳни чоғ ҳовли.* — [Йигитнинг] *этиги ҳам, қўлқопи ҳам ўзига чоғ эмас, катта.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ЧОҒ** IV: **чоғ бўлиб турмоқ** тайёр, шай бўлиб турмоқ.

**ЧОҒ** V *Куч-қувват, қурб. Чоғим келмади.* — *У [Қилчов]чоғи келмайдиган лавозимга чиқишга чиқиб олиб, туша олмай ҳайрон эди.* Мирмуҳсин, Созанда.

**ЧОҒИ** I кири с. Афтидан, шекилли. *Босмачилар яна бир қанча шўринг қурғурларнинг ёстигини қуритди, чоғи.* К. Яшин, Тор-мор. *Октябрга қирқ тўлди, чоғи.* Зулфия.

2 Тахминан; қарийб, чамаси; «га яқин. *Икки минг чоғи одам.* — *Чоғимда тухматнинг иси келдиёв, бу ишдан С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ЧОҒИЛМОҚ** диал. Чалинмоқ. *Кўзга чоғилди.*

**ЧОҒИШТИРМА** Таққослама, солиштирма, қиёсий. *Чоғиштирма сифат. Чоғиштирма анатомия.*

**ЧОҒИШТИРМОҚ** Бир предмет, воқеа-ҳодиса, белги ва ш. к.ни бошқаси билан ўзаро таққослаб кўрмоқ; қиёсламоқ, солиштирмоқ. *Аслига чоғиштирмоқ. Икки ҳолни чоғиштириб кўрмоқ.* — *Полвон бир пиёла чоғни ичар экан, отаси билан Пирнафас акани бир-бирига чоғиштирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЧОҒЛАМОҚ** I 1 Ҳозирламоқ, тайёргарлик кўрмоқ, шай қилмоқ. *Отни эгарлаб, чоғлаб олиб кел!* «Муродхон». *Аҳмаджон шериги билан гранаталарни чоғлаб ҳаёт-мамот пайтини кутиб туришиди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Мастон .. ўзини узоқ йўлга чоғлади.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Тахмин, мўлжал билан аниқламоқ, мўлжалламоқ, тахмин қилмоқ. *Қўйнинг гўштини қанча чоғладиңиз?* — *Ачинсанг, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлик, деди Уктам кетмонини қўлида чоғлаб кўриб.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Мўлжалга олмақ, кўзламоқ. *Хотин ҳарам дарвозасини чоғлаб борар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Уч-тўрт таёғ урдилар. Юз-кўзин чоғлаб.* Ғайратий. [Отабек] *ичкарига ошиб тушмоқ учун қулайроқ ўрин чоғлар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЧОҒЛАМОҚ** II Ўзини ёки кимсани хурсанд қилмоқ; вақтни, кайфни ёки димоғини чоғ қилмоқ. *Айноқ белини маҳкам боғлади, камтирни сийлади, димоғини чоғлади.* «Равшан».

**ЧОҒЛАНМОҚ** I 1 **чоғламоқ** I фл. мажх. н. Сафар жабдуқлари чоғланди. 2 **чоғламоқ** I 1 фл: ўзл. н. [Абдушукур] *изоҳ беришга чоғланган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Марҳамат] *тезроқ болалар олдиға боришга чоғланди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧОҒЛАНМОҚ** II **чоғламоқ** II фл.

ўзл. ва мажҳ. н. Мухторхон мот қилиб, кайфи жуда чоғланди ва мамнуниятдан қизарди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЧОҒЛАШМОҚ I чоғламоқ I фл. бирг. н.**

**ЧОҒЛАШМОҚ II чоғламоқ II фл. бирг. н.** Меҳмонлар кайфларини чоғлашиб қайтидилар.

**ЧОҒЛИ** Тахминан, қарийб, деярли; ... чамасидаги. Эллик чоғли аскар. Бир тонна чоғли юк. — Мели полвон бошлиқ йиғирма чоғли одам қишлоқ четидоғи эски мазорни текислашга киришди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЧОҒЛИК I:** вақт (ёки кайф, димоғ) чоғлик хурсандлик, шодлик. Одам деган вақти чоғликда ҳам, хафагарчиликда ҳам посангисини йўқотмагани тўхум. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тиларсан таъби чоғликни начоғлик, Начоғлик истасанг, қил таъби чоғлик. Ҳабибий. Вақт (ёки кайф, димоғ) чоғлик қилмоқ хурсандчилик қилмоқ, хурсандлик, вақтихўшлик билан вақт ўтказиб кўнглини ёзмоқ.

**ЧОҒЛИК II** чоғ III с. белги оти. Этик оғимага чоғлик қилди. Бу уй бизга чоғлик қилади.

**ЧОҒСИЗ** рив Номувофиқ ёки номақбул пайтда, бевақт, бемаврид. Чоғсиз келибсиз.

**ЧОҒ [ф-т] I** Чуқур ўра, қудуқ. Бировга чоғ қазисанг, ўзинг йиқиласан. Мақол. — Улар [қосиблар] чолнинг бошини шартта кесиб, ўлигини чоғга ташлаб, тегирмон тошини бостириб қўйишди. «Эртақлар». Ажал бўлди ёвга, Элда ўз қазган оқин. Миртемир. Гоҳ суюниб, хаёлида олтин саройлар қуради, гоҳ куюниб, ўзини чоғ ёқасида кўради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Қаър; оғуш; Фуод афанди икки қўллаб узатган янги ҳаёт уни [Ҳожи холани] ўз домига, ўз чоғига тортиб кетгандан кейин эса, у ишонмайдиغان ҳеч нарса қолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

♦ **Чоғга ташламоқ** (ёки **отмоқ, тикмоқ**) ҳалок этмоқ. Совет замонасининг афзалликлари ва унинг қудратига, бироз бўлса-да, ишонч ҳосил қилган одам ўзини чоғга ташламаса керак. Р. Файзий, Қардошлик мадҳияси. Охирига бориб, ишни пачава қилиб, мени чоғга тиқиб қўймайсанми. Ш. Фуломов, Ташаббус.

**ЧУ** ай. н. **чув I.** Бос олдин, тулпорим, чу, азамат, чу! Ф. Фулом. Довидбой киракашлар томон отларини «чу» деди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЧУБУР** диал. Оддий, хашаки от. Чўтоқ чубурини минган, жағи қурушган, оғзи бурушган бир чол келиб, Ёдеорни айлана берди. «Ёдгор».

**ЧУВ I** унд. с. Отни ҳайдаш, олдинга ундаш учун ишлатилади. — Чув, ҳа! — деди қамчи хотди, Урган қамчи, симдай ботди. «Ширин билан Шакар». Отлиқлар гаплашмас, фақат ҳар замон отга шилт қамчи босиб, чув деб қўйишарди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ЧУВ II** Арава ўқининг ғилдиракни тутиб турадиган қулоғи; чув чўп.

♦ **Чуви чикди** сирин очилди; миси, шармандаси чиқди. Аҳмаддон ака, жуда қалтис иш-да .. Бир чувинииз чиқса борми — бу ёгинииз райком, бу ёгинииз прокурор-а! А. Қаҳҳор, Қалтис ҳазил.

**ЧУВ III** Қиморда тўрт ошиқнинг ютқизиқ ҳолати (битта олчи, учта чикка ёки битта товва учта пукка).

**Чув тушмоқ 1)** қиморда ташланган тўрт ошиқ чув ҳолатини олгани учун ютқизмоқ. Ошиқ кўксига уриб, Ошиқ отади. Чув тушиб нечалар, Қайф таркатади. Ғайратий; 2) кўчма зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ, фариб емоқ. Қурғоқчилик бўлиб уруққа ҳам чув тушишди. П. Қодиров, Уч илдиз. **Чув туширмоқ** зарар, зиён етказмоқ; фариб бермоқ. Уларнинг ҳар бирини эски пўлда 1500 сўмданга чув туширдди. Ҳ. Носиров, Тўхмат ва хиёнат.

**ЧУВАК I** Қотмадан келган, ориқ, қотма. Чувак бола. — У [Тўлаган] ўрта ёшли, чувак, соқолига оқ оралаган қотма, абжир киши эди. Ҳ. Назир, Механизатор Тўлаган. Санобар янгам ёши қирқ бешларга борган новча, чувак юз, гапдон аёл. Н. Ёқубов, Бўсағада. **ЧУВАК II** Ёзлик енгил оёқ кийими; шиппак. Уйда оёқ кийими бир неча пар; чувак, маҳси, сандал, калош, туфлилар. Ф. Фулом.

**ЧУВАЛАНМОҚ** ай. н. **чувалмоқ.** Чуваланган ип. Чуваланган бўйра. — Маҳдум чой хўшлаб, мудраб, эзилиб ўтирди. Унинг хаёл ипи тобора чуваланар, ўйлаётган ўйининг тағига етолмасди. Ҳ. Фулом, Машғал. Вафосизнинг ишқи қўрсин чуваланмай, Могорлаган пўкак толдай уваланмай. А. Пўлат.

**ЧУВАЛАШМОҚ I** ай. н. **чувалмоқ.** Олисда ҳам баре ёзмаган дарахтнинг новдалари чувалашган қизилтил ипдек бўлиб кўринди. С. Аҳмад, Уфқ. У [Ноёиров] .. юракда ҳаяжон, фикри чувалашар, нимага керак бўлдим экан? Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Чуввос солиб ўралашиб юрмоқ (асосан болалар ҳақида). Оёқ остида чувалашверманлар!

**ЧУВАЛАШТИРМОҚ** чувалашмоқ фл. орт. н. Хон соат қопқоғини қирс этиб ёпиб, занжирини чувалаштириб қўйнига солиб. Мирмуҳсин, Чўри. Ҳар қаерда гап сотиб ишни чувалаштириб юрманг, ая, билган ундоқ дейди, билмаган бундоқ дейди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЧУВАЛМОҚ I** чувамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Ип чувалиб кетибди.

2 кўчма Аралаш-қуралаш бўлмоқ, қоринмоқ. Чувалиб кетган фикрлар. Чувалган ҳаёллар. — Мундоқ қараса ўзининг концертда ўтирганини унутиб хаёли аллақайларга чувалиб кетибди. Шухрат, Шинелли йиллар.

♦ **Гап (ёки сўз) чувалид** гап кўпайди. У [бойвачча] гап-сўз чувалиб кетар деб хавф қилар, шу сабабдан ўзини бир оз

тутишга тиришар эди. Ойбек, Нур қидириб.

**ЧУВАЛТИРМОҚ** чувалмоқ фл. орт. н. Ипни чувалтирмоқ. Бўйрани чувалтирмоқ, Фикрни чувалтирмоқ. — Бироқ унинг [Отабекнинг] юрагидан кучли бўлган яна бир нарса «бориш» масаласини чувалтириб, «маълум эмас» бир ҳолга қўйган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЧУВАМОҚ I** Ёзмоқ, бўшатмоқ (коп-токка, ғалтакка ўралган ёки калавланган ип, сим ва ш. к. ҳақида). Ғалтакдаги ипни чувамоқ. — Ҳақимжон акамлар актни гўмдон қилибдилар. Қалавангнинг учи чувамасин, деб мени «Солор» ресторанига кўчирмоқчилар. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

2 Тўқилган нарсани титиб, суғуриб бузмоқ. Бўйрани чувамоқ.

♦ **Гап чувамоқ** гап кавламоқ, узиб-улаб гап-сўзни кўпайтирмоқ. **Гап чувайди** гап айланади, гап-сўз кўпаяди. Секин, секин гапир! .. Хотинлар шитса, гап-сўз чувайди.. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧУВАТМОҚ** чувамоқ фл. орт. н. ♦ **Гап чуватмоқ** ай. н. гап чувамоқ қ. чувамоқ. Миробид муҳаббат тўғрисида ҳам унча-мунча гап чуватиб қўйди. В. Ғофуров, Вафодор.

**ЧУВАШ** қ. чувашлар. Чуваш тили. || Чуваш аёл.

**ЧУВАШЛАР** Чуваш Автоном Совет Социалистик Республикасида яшовчи туркий халқлардан бири, чуваш халқи.

**ЧУВАШМОҚ** чувамоқ фл. бирг. н. **ЧУВАШТИРМОҚ I** чувамоқ фл. орт. н.

2 ай. н. **чувалаштирмоқ.**

**ЧУВВОС** Тартибсиз говур-говур гап, товуш; қий-чув. Чуввос кўтармоқ (солмоқ). — Футбол тугаб, халқ чуввос билан кўтарилган эди. Ойбек, О. Ҳ. шабадалар. Ҳамма ёқдан .. чуввос овозлари кўтарилди. Ф. Фулом, Шум бола. Ёш-қари чуввос кўтариб ишлайди. Ойбек, Нур қидириб. Хотини мени чуввос солиб йиғлаб қариши олди. Ф. Фулом, Алдар кўса.

**ЧУВИМОҚ I** Титкилаб юмшатмоқ, титмоқ. Жун чувимоқ. Эски пахтани чувимоқ.

2 Пахтани чаноғидан суғурмоқ. Қўсақ чувимоқ. — Жаннат хола гўза чувиб ўтириб, Эркинжонни аллалар, гўдак ширин уйқўса кетган. Ж. Шарипов, Саодат.

**ЧУВИТМОҚ** чувимоқ фл. орт. н. Қўлда пахта чувитмоқ. Қўсақ чувитмоқ.

**ЧУВИШМОҚ** чувимоқ фл. бирг. н. Хотинлар пахта чувишмоқда.

**ЧУВЛАМОҚ I** «Чув-чув» деб отни юришга ундамоқ.

**ЧУВЛАМОҚ II** диал. Чувурлашмоқ, қий-чув кўтармоқ.

**ЧУВЛАШМОҚ** чувламоқ II фл. бирг. н.

**ЧУВОЛЧАНГ** Ер остида яшовчи, ёмғирдан сўнг ер устига чиқиб судралиб юрадиган узун қорамтир қиз-

ғиш қурт. Чол қармоқларининг уяларига чуволчанг илиб, суьга ташлади ва ёғочларини ерга қатор қилиб қадаб қўйди. Х. Ғулом, Машғал.

**ЧУВОЛЧАНГСИМОН** Чуволчангга ўхшаган, чуволчанг тахлит.

**ЧУВОҚ** Чуваланган, чувалашиб, чалкашиб кетган. *Чувоқ ип.* — У бошини қуйига энгаштирди ва чувоқ соқолини тузатиб фикрда қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Чувоқ офтоб айн.** **офтобчувоқ.**

**ЧУВРИНДИ** I Эски-туски, угада, жулдур (асосан, кийим-кечак ҳақида).

2 Эски, жулдур кийимли одам, қашшоқ. «Наинки шу етимча чүвринди ҳам эшонойи бўлиб, бизнинг каторимизга қўйилса?» С. Анорбоев, Мехр. || Дарвозабон чүвринди аёлга унча эътибор бермади. Мирмуҳсин, Чўри.

**ЧУВУЛЛАМОҚ** айн. **чувурламоқ.**

**ЧУВУЛЛАШМОҚ** **чувурламоқ** фл. бирг. н.

**ЧУВУР** I Қоришиқ қий-чув, ғовур-ғовур гап, овоз; чуғур. Қўчадаги хотинлар чуғури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ЧУВУР** II диал. Оддий, хашаки от. Шу ёмон чуғур билан биздан илгари келибсан. «Алпомиш».

**ЧУВУРЛАМОҚ** Тартибсиз ҳар ёқдан сўзламоқ, ғовур-ғувур, қий-чув қилмоқ. Қизлар кампирни алахситиш учун бирдан чуғурлаб юборишди. С. Аҳмад, Онажонлар.

**ЧУВУРЛАТМОҚ** **чувурламоқ** фл. орт. н.

**ЧУВУРЛАШМОҚ** **чувурламоқ** фл. бирг. н. Ичкари ҳовли эшигидан эши-ёи эркак ва қиз болалар чуғурлашиб чиқишди. Ойбек, Кутлуг қон. Болалар чорси цемент ҳовуз ёқасида уймалашиб, чуғурлашиб туришарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЧУВУР-ЧУВУР** **чуғур** I с. тақр. Қизлар чуғур-чуғур қилиб, қурт тутилган уйга кириб кетишди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ЧУВ-ЧУВ** Қоришиқ ғовур-ғувур гап, товуш; чуввос, қий-чув, шовқин-сурон. *Чув-чув* қилмоқ.

**ЧУЙМОҚ** Овга қуш солмоқ; қуш солиб ов қилмоқ. Қўлингдан кетмасин давринг, давлатинг, Ойдин қўлга қушинг чўйгин, Авазжон. «Хушкелди».

**ЧУҚ** бол. Ўғил боланинг таносил аъзоси; чўчоқ.

**ЧУКРИ** диал. Ривоч.

**ЧУЛДИРАМОҚ** I диал. Шалдирамоқ, шилдирамоқ. Ариқчада ўрта бармоқдай сув эринчоқлик билан чулдираб оқиб турибди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

2 Бидирлаб, тез-тез гапирмоқ, бидирламоқ, бижирламоқ. Уйда ўғилчаси Адҳам унинг [Низоранинг] қучоғига отилиб: «Ойи, ойи, бунча тошни нима қиласан?» — деб чулдиради. М. Худайкулов, Оханграбо ахтариб. **Чулдираб қолмоқ** кайфи ошиб ёки довдираб, тили гапга келмай қолмоқ. Ичкиликка

Иваннинг энди иштаҳаси очилган пайтда Мутавалли маст бўлиб чулдираб қолди. М. Осим, Элчилар. Азимбойвача икки пиёладаёқ чулдираб қолди. С. Аҳмад, Хукм.

**ЧУЛДИРАШМОҚ** **чулдирамоқ** 2 фл. бирг. н.

**ЧУЛДИРАТМОҚ** **чулдирамоқ** фл. орт. н. Уй эгаси .. мавизни [майни] пиёлага чулдирашиб қуяр экан, меҳмонга ер остидан мўралаб кулимсираб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЧУЛИ-ЧУЛИ:** **чули-чули бўлмоқ** 1) бетартиб, бошбошдоқ бўлиб қолмоқ; 2) айн. **чулдираб қолмоқ** қ. **чулдирамоқ** 2.

**ЧУЛКИ** [р] Хотин-қизларнинг тиззадан юқоригача чиқадиған пайпоғи. Капрон чулки.

**ЧУЛОН** диал. Шулон, тугун оши.

**ЧУЛЧИТ** с. т. Гапга сира ҳам тушунмайдиган, гап уқмайдиган одам. [Фотима:] Хеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчитсан! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**ЧУЛГАМОҚ** I Айлантириб, атрофлаб ўрамоқ, атрофга ўраб қўймоқ, ўраб чиқмоқ. *Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, .. дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини махдум тўхтатди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Икромжон от жиловини эгар қошига омонатгина чулғаб, тол тағига келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Қопламоқ, басмоқ, буркамоқ. Бинонинг устини ва ён-верини нур сели чулғаб, олд томонидан сояларни қуюқлаштириб кўрсатар, деразалари қорайиб турарди. П. Қодиров, Уч ялдиэ. Қишлоққа етганда борлиқни қоронғилик чулғайди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғайди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Қўйма Эгалламоқ, банд этмоқ, қамраб олмоқ. Уни хаёл чулғайди. Қўнглини чулғаб олган ғашлик. Мияни чулғасан саволлар. — Шербекни уятми ёки қўрқувми, қандайдир ноаниқ омикта ҳислар чулғаб олди. С. Анорбоев, Оксой.

**ЧУЛҒАНМОҚ** **чулғамоқ** фл. ўзл. ва мажж. н. Ипакларга чулганмоқ. Гулга чулганмоқ. — Нега тўлғанди, Сочи чулғанди? Суймагул жуда Эрта уйғонди. М. Алавия. Бир неча бино ўт кетиш тўфайли босиб қолган, баъзиси тунгунга чулганиб ҳамон буруқсайди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Нури] ёлғиз қолган чоқларида турли ўй, хаёллар билан чулғанадиган бўлди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ЧУЛГАТМОҚ** I **чулғамоқ** фл. орт. н. Хаёлга чулғатмоқ. — Отабек уйга кирганда, ёстиқ бетини тартибсиз соч ўримлари билан чулғатиб Қумуш ухлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *қўйма* Аралаштириб, қоритириб юбормоқ; чувалаштирмоқ. *Қутилмаган бу хабар Ҳаловатнинг фикрини чулғатиб юборди.* Н. Орифжонов, Ҳало-

ват. *Уззукун паишани фил қилиб, қаёқдаги гапларни чулғатиб юбордингиз, мана энди эл олдида юзингиз шуғут.* А. Мухиддин, Ҳадея.

**ЧУЛҒАШМОҚ** **чулғамоқ** фл. бирг. н. Ишга чулғашиб қолдик. Хаёллар билан чулғашиб қолибман.

**ЧУМА** айн. тоун.

**ЧУМАҚ** I диал. Жўрмақ.

**ЧУМАҚ** II: **чумақ урмоқ** ранг, тус олиб, қизариб пиша бошламоқ (эрта пишар узум, чиллаки ҳақида). Боғлардаги чиллакилар чумақ уриб, олма, ноклар, тилла қўнғиз ёпишган шафтоли ва олхўрилар ранги соат сайин ўзгарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Чиллаки чиллакени кўриб чумақ уради** бир-биридан кўриб ўрнак олади, тақлид қилади, бир-биридан ўрганади.

*Чиллаки чиллакени кўриб чумақ уради дегандек, Зебонинг шодон руҳи, қараши Муҳаррамга кўча бошлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЧУМОЛИ** Тўда-тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина хашарот; қумурсқа. *Қизил чумоли. Қанотли чумоли. Урмон чумолиси. Чумоли уяси. Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.* Мақол. — *Чумолилар ёмғир суви билан ҳўлланган уяларидаги донларини ташқарига ташиб чиқариб шамоллатмоқда.* Айний, Қуллар.

◆ **Чумоли бел** хипча, ингичка белли, нозик бел.

**ЧУМОЛИЧА** Чумолидай кичкина, зиғирдай. *Сен жуда кўринганинда чумолича кўринасан.* — *Чумолича кўринсан ҳам кўринар эканман-ку, иш қилиб!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**ЧУМЧУҚ** Кўпинча хонадонларга яқин жойларда яшайдиган, хашарот ва дон билан озиқланадиган кичкина қуш. *Чумчуқ семирса ботмон келмас.* Мақол. — *Қайрағоч дарахтлари бағрида чумчуқлар тартибсиз чиқиллашиб насл қолдириши қайғусини чекадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Чумчуқ** *пир этса, юраги ширэади салга кўрқадиган, чўчийдиган, кўрқоқ одам ҳақида.*

**ЧУН** [ф-т] эск. кт. Худди; -дай, -дек, ўхшаб. *Кетиб тандин мадорим гул юзим чун заъфарон ўлди.* Ҳамза. *Кампир бир кун зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, .. мени бисёр тангликка солди.* Ғайратий, Довдираш.

**ЧУНКИ** [ф-т] сабаб боғл. Бош гап билан эргаш гапининг сабабий боғланишини кўрсатади; негаки, сабаб шуки, зероки маъноларини билдиради. *Мен совуқни сезмадим, чунки кун бўйи шилладим.* — *Эллик йилдан кейин қандай бўлишини билмаймиз, чунки бу мана шу уйларда туғилган, шу қишлоқда ўсадиган болаларнинг дидига, орзусига боғлиқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Халқ бундай ёлворилларга, таба-тазарруларга қулоқ солмади, чунки иш ўтган, ғишт қопландан кўнган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу [отасининг вафот этгани] Ғуломжон учун қаттиқ зарба бўлди, чунки отасига*



жуда қаттиқ суяниб қолган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧУНОН** [ф-т] *рви* Шунча, шундай, шу қадар. *Чунон калтаклади. Чунон ҳаракат қилди. Чунон уринса ҳам бўлмади.* — Қилич Ботир бўйзини кўтариб чунон урдики, у қўлтиғиача ерга кириб кетди. «Эртақлар». Ака-ука бир-бировларига чунон ҳам суяниб қолган эдилар-ки, бир-бирлари бўл-маса таом эмас эдилар. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**ЧУНОНАМ** [асли чунон ҳам] с. т. Чунон ҳам, чунон. *Емгир чунонам куйиб бердики.* — Муҳташам шаҳар ўзига чунонам оро берибдики, асти қўяверинг, фонтанларда сув ййини. А. Раҳ-мат, Эллик бир баҳодир. Баҳорда чу-нонам қўйи тортдики, жонивор қора-байирни нақ кўк терга тушириб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧУНОНЧИ** [ф-т] Яъни, масалан. У кўп тилли, чунончи, рус, инглиз, француз, немис тилларини билди. — *ЎзССР граждaнларига жaмоат тaшкiлотларига бiрлaшиш, чунончи: кaсабa союзнaригa, кооперaтив бiрлaшмaлaригa.. бiрлaшиш ҳуқуқи тaъ-миң этилади.* «ЎзССР Конституцияси».

**ЧУРВАҚА** I Майда-чуйда, ёш болалар. Аммага ҳам амал тегиб қолган. *Кечая кундуз чурвақалар билан ўралашгани-ўралашган.* Х. Назир, Бир туپ гўза. Бир вақт келиб, дадамнинг кунни етса, Гулморнинг чурвақалари бош кўтаради. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Пашмалоқ, майда-чуйда одамлар.

**ЧУРР** тақл. с. Қоровул хуштаги овозига ўхшаш товушлар ҳақида. Тўпалон бошланди. Шу пайт «чурр» этиб хуштак чалинди-ю, билагига қизил боғлаган учта дружиначи этиб келди. М. Худойқулов, Оҳанграбо ахтариб.

**ЧУРРА** Ички аъзолардан бирининг, мас. ичакнинг осилиб, ташқарига туртиб чиқиб қолишдан иборат касаллик; дабба. *Чурраси тушиди* 1) чурра касаллигига йўлиқди; 2) кўчма катта зарар кўриб ёки чиқимдор бўлиб синди, инжирғаси ўйнади. *Тўй қиламан деб чурраси тушиди.*

**ЧУРРАК** I Ҳозсимонлар туркумининг ўрдақлар кичик оиласига мансуб, ўрдақдан кичикроқ, ов қилинадиган ёввойи қуш.

**ЧУРРАК** II, *чуррак нон* с. т. Кавказ халқларининг тўртбурчак шаклидаги тарам-тарам миллий нони.

**ЧУРУК** с. т. Эски, эски-туски, жулдур, увада. *Чурук тўн. Чурук маҳси.* — Мен ҳам айвонда ётган чурук бир кўрпачага ўралиб, тонгага қадар йиғлаб ўтирдим. Ғайратий, Ёшлигимсиз.

**ЧУРУЛЛАМОҚ** I кам қўлл. Чирлламоқ, чирқилламоқ. *Оқшомлари курт-қумурсқалар чуруллаб тинчлик бермайди.*

2 «Чурр» этган овоз чиқармоқ (хуштак ҳақида). *Рафиқ пуфлаган эди,*

[хуштак] жуда қаттиқ чуруллади. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЧУРУЛЛАТМОҚ** чурулламоқ 2 фл. орт. н. *Қоровул хуштагини чурулла-тди.*

**ЧУРҚ:** чурқ этмади овоз чиқармади; оғиз очиб бирор нарса демади, ин-дамади. [Қобил:] *Битпанг чурқ эт-санг калланг ёнингда.* И. Султонов, Бур-гутнинг парвози. *Ашишурмирзо қайт-ганига ўн кундан ишган бўлса ҳам, тўй тўғрисида чурқ этмайди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. **Чурқ этган товуш йўқ** ҳеч қандай товуш эшитил-майди, жимжит.

**ЧУСТ:** *чуст дўппи айн. тус дўппи қ. тус II.*

**ЧУЧВАРА** Ичига қийма солиб ту-гилган, мангидан кўра майдароқ ха-мир овқат. *Хом чучвара. Қовурма чуч-вара. Меъзон дастурхон ёзиб косаларда чучвара олиб келди.* — *Зийдахон опа, ун элашингиздан бугун кечқурун чуч-вара қилиб берадиганга йхшаб қол-диниз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Чучварани хом санамоқ** йўқ ёки амалга ошмайдиган нарсага ишонмоқ; хом ўйламоқ, хом хаёл қилмоқ.

**ЧУЧВАРАХОНА** Чучвара пишириб хўрандаларга хизмат қиладиган мах-сус ошхона.

**ЧУЧИМОҚ** I Ширин тортмоқ, ши-рин бўлмоқ. *Ҳа, тўйчилик-да. Оғ-зимиз чучиб қолсин! Кулишади ийгит-лар.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Холва деган билан оғиз чучимайди** қуруқ гап билан иш битмайди, кишининг айтгани, ўйла-гани бўлавермайди.

2 Қизиб, доғ бўлиб тозаланмоқ. *Ошининг ёғи яхши чучиган. Чучиган мой.*

**ЧУЧИТИЛМОҚ** *чучитмоқ* фл. мажҳ. н. *Чучитилган мой ва қовурилган гўштнинг мазали ҳиди димоғларга уриди.* Ойбек, Навоий. *Қўшини ҳов-лидан чучитилган жувоз мойининг иси келди.* С. Аҳмад, Хўкм. **Чучитилган сув** махсус йўл билан шўри кетказил-ган денгиз суви.

**ЧУЧИТМОҚ** *чучимок* фл. орт. н. *Оғиз чучитмоқ. Мой чучитмоқ.*

**ЧУЧМАЛ** I Тузи ёки шираси меъё-ридан кам, маза-матраси йўқ; бад-хўр, тотсиз, бемаза. *Чучмал овқат. Чучмал мураббо.* | Кўнгилини айнита-диган, беҳузур қи адиган. *Чучмал ҳид.*

2 *кўчма манф.* Тайинли бир маъноси йўқ; бетайин, ноаниқ, дудмол. *Чучмал жавоб. Чучмал гап.* — *Домла.. бу чучмал кўлгига эътибор қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Меҳ-моннинг қишлоқчасига қўлини кўк-ракка қўйиб қуюқ сўршувчи бошиққа чучмал туюлди.* А. Мухтор, Тўғилиш. **Чучмал одам** гапининг тайини, тутури-ғи йўқ одам.

**ЧУЧМАЛЛАШМОҚ** Чучмал бўлиб бормоқ, тобора чучмал бўлмоқ. *Гапи чучмаллашди.* У анча чучмаллашиб қолди.

**ЧУЧМУМА** Эрта баҳорда очиладиган бинафша ранг чочоқ гулли ўтсимон

ўсимлик ва унинг гули. *Қир ва адир-ларда лолақизғалдоқ ханда урганда, чучмўмалар чаман бўлганда, кенг яй-ловда жавлон уришининг гашига нима етсин.* Х. Абдусаматов, Чорвадорлар.

**ЧУЧУК** I Аччиқ эмас, нордон эмас; ширин. *Чучук олма. Чучук пизг. Чучук анор. Чучук сув* таъми яхши, ичимли сув (дарё, булоқ ва ш. к. суви ҳақида). 2 *кўчма* Қишга озор бермайдиган; ёқимли, кўнгилли, ширин. *Бир ач-чиқнинг бир чучуғи бор.* Мақол. *Аччиқ билан чучукни тотган билур, узоқ билан чучукни юрган билур.* Мақол. — *Ҳаётнинг дағал муомаласидан беғо-на, фақат унинг чучук сўзларинингина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Айрим товушлар, мас. «р»ни, тўла айта олмайдиган. *Тили чучук бола.* — *Насимжон Файзулла-ев,— деди чучук тил билан секретарь ва гилам четига омонатгина йтириб, сўзини давом этдирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЧУЧУКЛИК** I *чучук* с. белги оти. *Олманинг чучуклиги. Тилнинг чучук-лиги.*

2 Ширинлик, қанд-қурс. *Чучукликка ўч одам. Чучуклик билан чой ичмоқ.*

**ЧУЧУКМИЯ** айн. ширинмия.

**ЧУЧУКТОМОҚ** айн. ширинтомоқ.

**ЧУШКИРМОҚ** диал. Акса урмоқ, аксирмоқ. *Билинар-билинимас чуш-кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЧУКУЛАМОҚ** Ўйиб, кавлаб чу-қур(ча) ҳосил қилмоқ; чуқурламоқ. *Ер чуқулаб ўтирмоқ кам қўлл. айн. ер чизиб қолмоқ қ. чизмоқ.* *Валижон .. бошини қуйи солганча ер чуқулаб ўтирарди.* О. Ёқубов, Ларза.

**ЧУКУЛАШМОҚ** *чукуламоқ* фл. бирг. н. *Паҳлавонлардан биронтаси бош кўтармай, ер чуқулашиб қолдилар.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ЧУКУР** I от Қазилган, ўйилган ёки табиий чуқурлик, ўйиқ. *Елқанинг чуқури. Бировага чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Мақол. — [Ойимхон] *ўчоқ четидаги махсус чуқурга қумғон қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кунлардан бир кун Мавлонбек мингбоши .. кайфи ошиб чуқурга қулаб тушибди.* Т. Оби-дов, Юсуфжон қизиқ. *Қиши билан йи-ғилан гўнгларни чуқурдан чиқариб .. қўйилганлигига ўн кунлар бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *сфт* Сатҳдан анча паст; чўнқир, теран. *Чуқур дарё. Чуқур ҳовуз. Чуқур жарлик.* || *Ариқни чуқур қилиб кав-ламоқ.* | Анча ичкарида жойлашган. *Чуқур индишлар.* | Ичкаридан, ўпқадан тўлиб тошиб чиққан ёки ўпқани тўл-дирувчи. *Чуқур нафас.* || *Чуқур тин олмоқ.* — *Қудрат «тушимми, йн-гимми!» деб чуқур хўрсинди.* Х. На-зир, Сўнмас чақмоқлар. [Ҳамиджон] *ўчиб қолган папиросини ёндириб, чу-қур тортди-да, гапирга бошлади.* У. Умарбеков, Чўлда бир кун.

3 *сфт, кўчма* Ҳар томонлама кенг,

асосли, атрофли, теран. **Чуқур билим.** Чуқур маъно. Чуқур илмий текширишлар. || Чуқур ўйламоқ. | Мухим, жиддий. **Чуқур хато.** Чуқур зиддиятлар. | Зўр, катта, кучли. **Чуқур қайғу.** Чуқур сукунат. ■ **Ха, бу меҳнаткашларга ғамхўрлик, чуқур одамларварликдан келиб чиқади.** П. Турсун, Уқитувчи.

**ЧУҚУРЛАМОҚ** Чуқур қилмоқ, чуқур кавламоқ. Урани чуқурламоқ. Зовурни чуқурламоқ.

**ЧУҚУРЛАМОҚ** чуқурламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Дарё кема юра оладиган қилиб чуқурланди.

**ЧУҚУРЛАТМОҚ** чуқурламоқ фл. орт. н. Зовурларни чуқурлатмоқ.

**ЧУҚУРЛАШМОҚ** | Чуқур бўлмоқ, чуқур тортмоқ. — **Унгу** чуқурлашган сари қозиқ шу залда қоқиб борилса, йўлдан адашмаймиз, — деди чол. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ич-ичига кириб кетган кўзларида жиддий, маъюслик аломати пайдо бўлди, кенга пешанасидаги ажинлари чуқурлашди. Х. Фулом, Машъал.

2 **кўчма** Кенгаймоқ, теранлашмоқ. Билими анча чуқурлашди. ■ Ой ёруғида кеча жимжитлиги яна чуқурлашган каби туюлди. Ойбек, Қутлуғ қон. Еш йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севги тобора чуқурлаша борди. П. Турсун, Уқитувчи. | Жиддийлашмоқ, кучаймоқ. **Хато** яна чуқурлашди. ■ **Елгон, сохталик** бири иккинчисидан бошлаб келиб тобора чуқурлашиб, тобора хунуклашиб борар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧУҚУРЛАШТИРИЛМОҚ** чуқурлаштирмоқ фл. мажх. н. Дарё чуқурлаштирилди.

**ЧУҚУРЛАШТИРМОҚ** чуқурлашмоқ фл. орт. н. Узанни чуқурлаштирмоқ. Уз билмиларини чуқурлаштирмоқ.

**ЧУҚУРЛИК** | чуқур с. белги оти. Ариқнинг чуқурлиги. Асарнинг назарий жиҳатдан чуқурлиги.

2 Чуқур жой; ура, чоҳ. **Эни** уч метр келадиган чуқурлик. ■ **Эртасига** Раҳматиллани қўли синган, боши ёрилган ва ҳушсиз бир ҳолатда мактаб ёнидаги бир чуқурликдан топиб касалхонага жўнатилди. А. Қахҳор, Қўшчиноқ. **Чуқурликда, ҳар жой-ҳар жойда** одамлар тўп-тўп бўлиб ер қазимоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧУҚУРЧА** Кичкина, пастак чуқур. Бильярд чуқурчаси. Юз чуқурчаси. ■ **Адолат** кулди. **Қорача** ияги йилтиллаб, унда нури бир чуқурча пайдо бўлди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ЧУҒУЛЛАМОҚ** айн. чуғурламоқ. **ЧУҒУЛЛАШМОҚ** чуғулламоқ фл. бирг. н.

**ЧУҒУР** | айн. чувур I. Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 тақл. с. Баъзи қушларнинг баравар сайрашидан чиқадиган қоришиқ овозлар ҳақида.

**ЧУҒУРЛАМОҚ** | «Чуғур-чуғур»

овоз чиқармоқ, «чуғур-чуғур» сайрамоқ. Қалдирғочлар ўқдай отилиб келиб, мачит ичига кириб кетадилар, чуғурлайдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тез-тез бидирлаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб ёки тушунъялмайдиган бирор бегона тилда сўзламоқ. **Уч яшар** бола нима эканини биласизми? **Билмайсиз.** Кўнадан келганинда тиззанга ўтира, қўлчаси билан юзингни силаса, чуғурласа. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**ЧУҒУРЛАШМОҚ** чуғурламоқ фл. бирг. н. Қушлар чуғурлашмоқда. ■ **Болалар** яна чуғурчиқдек чуғурлашди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЧУҒУРЧИҚ** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, қора патли, гала бўлиб юрадиган, ҳашарот ва мевалар билан озиқланадиган қуш.

**ЧУҒУР-ЧУҒУР** | чуғур I с. тақр. [Эъзозхон] сирли қоғозни тиззасига қўйиб, чумчуқларнинг тинимсиз чуғур-чуғурига қулоқ солди. Х. Фулом, Машъал.

2 Қоришиқ ғовур-ғувур гап, овоз; чуғур-чуғур. Туғиликка чиққан аёлларнинг чуғур-чуғури. С. Зуннунова, Олов. **Чуваккина** бу йигитнинг чуғур-чуғур қилиб кетаётган болаларнинг майда-чўйда гапига тоби айқ. А. Мухтор, Туғилиш.

**ЧУҒ** айн. чув I. **ЧУБ** диал. Чувур, хашаки (от ҳақида).

**ЧҒИР** | айн. чўғири. 2 айн. чўкиртақ.

**ЧҒИРИ** Сариқ ва кўкиш йўлли ола пўчоқ ширин қовун нави.

**ЧҒИРМА** Хоразм ва Қорақалпоғистонда расм бўлган катта мўйна қалпоқ. — **Қаердан келгасиз?** — **сарбоз катта чўғирма** босиб турган бошини тик тутиб сўради. Мирмуҳсин, Чўри.

**ЧҒАЛА** диал. Бор бўйича чўзилиб; узала.

**ЧҒДИРМОҚ** чўзмоқ I—3, 5—7 фл. орт. н. Командировка муддатини чўздириб олмоқ. Симни чўздиримоқ.

**ЧҒИЛИШМОҚ** чўзишмоқ 3, 5 фл. бирг. н. Кичиклар танча атрофида бирин-бирин чўзилишиб ухлаб қолишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧҒИЛМОҚ** | чўзмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Пайпоқ чўзилиб кетди. **Ҳамма** ёқдан қўллар чўзилди. **Мажлис** чўзилди. **Уқши** бир ой чўзилди. **Йўғон** чўзилар, ингичка узилар. Мақол. ■ **Анзират** кампир **Жўрахоннинг** қулоғига чўзилиб пиширлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Тўйибу** дод деб эрининг ҳавога чўзилган қўлларига ёпишди. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Давом этмоқ. Ой билан сўхбатим чўзилди **узоқ**, **Аста** яқинлашиб **тонг** ҳам қўшилди. **Ғайратий**. **Тантубой-вачча** кечаги **базм** ва **ичкилик** **кайфини** **бутун** кун чўзилган **уйғу** билан **тиниктириб**, **қўрғон** эшигидан **боғ** **ташқарисига** қиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 с. т. Кўп гапирмоқ, вайсамоқ ёки йиғламоқ.

4 Бўйига тортмоқ, ўсмоқ. **Йигитчанинг** қадди чўзилиб қолибди.

5 Узала тушиб ётмоқ. **Арқон** чўзилиб ётибди. **Чўзилиб**, **бир** **оз** **дам** **олдим.** ■ **Сиз** **бу** **ерда**, **қумнинг** **текис** **жойида** **чўзилиб** **ётинг.** Айний, Эсдаликлар. | **Чарчаб**, **ҳолдан** **тойиб** **йиқилмоқ**. **Қандоқ** қилай, **чўзилиб** **қоладиганга** **ўхшайман.** С. Аҳмад, Хукм. **Салом**, **мадори** **туғаб**, **узилган** **она**, **Очлик** **билан** **саргайиб**, **чўзилган** **она**. Ғайратий.

**ЧҒИЛТИРМОҚ** чўзишмоқ I, 3, 5 фл. орт. н.— **Омон** бўлинг **бойвачча**, — **деди** **Қомил**, **уни** **каравотга** **чўзилтирар** экан. Х. Фулом, Машъал. [Мақсуд:] **Биз** **ўн** **иккисини** **чўзилтирдик.** Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ЧҒИЛУВЧАН** Яхши чўзиладиган. **Чўзилувчан** тоғалар. **Чўзилувчан** модда.

**ЧҒИЛУВЧАНЛИК** чўзилувчан с. белги оти. **Модданинг** **чўзилувчанлиги.** **Толанинг** **чўзилувчанлигини** **текширмоқ.**

**ЧҒИНЧОҚ** Бўйи энига нисбатан анча узун; чўзиқ, узунчоқ. **Чўзинчоқ** юз. **Чўзинчоқ** ҳовли. **Чўзинчоқ** қовоқ.

■ **Ҳоким** **супада** **ёнбошлаб** **ётган** **ерида**. **тўрт** **бармоғи** **қиммат** **бахо** **олтин** **узуклар** **билан** **безатилган** **чўзинчоқ** **панжасини** **узатди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ияги** **чўзинчоқ** **ўқитувчи** **у** **расмини** **солишни** **ўргатди.** П. Турсун, Уқитувчи.

**ЧҒИШМОҚ** чўзмоқ фл. бирг. н. **Ишни** **чўзишди.** **Гапни** **чўзишди.**

**ЧҒИҚ** | айн. чўзинчоқ. **Чўзиқ** юз. **Чўзиқ** **стол.** **Чўзиқ** **супа.** ■ **Тон** **қоронғисида** **уни** **Сидиқжоннинг** **юзи** **оппоқ**, **чўзиқ** **ва** **кўзлари** **ичига** **ботиб** **кетгандай** **кўринди.** А. Қахҳор, Қўшчиноқ.

2 **Узоқ** **давом** **этган** **ёки** **этадиган**. **узун**, **давомли** **(овоз,** **товуш,** **хайқир** **рик** **ва** **ш. к. ҳақида).** **Чўзиқ** **овоз.** **Чўзиқ** **гудок** **чалинди.** ■ **Қурат** **ажабланганча** **эшик** **томон** **юрган** **эди.** **кўча** **бошидан** **подачини** **«Хай-до-о!»** **деган** **чўзиқ** **хайқирғи** **келди.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 **лингв.** **Узоқ**, **давомли** **талаффуз** **этиладиган.** **Чўзиқ** **унли.** **Чўзиқ** **бўйин.**

**ЧҒИҚЛИК** | чўзиқ I, 2 с. белги оти. 2 **лингв.** **Талаффузнинг** **узунлиги.** **давомлиги.** **Унли** **товушларнинг** **чўзиқлиги.**

**ЧҒЗМА** Хамирни юпқа ёйиб, юзига пиёз, баъзан қийма солиб ёгда пишириладиган тансиқ овқат, юпқа. **Чўзма** қилмоқ. ■ **Бир** **оҳангаронликнинг** **тўйига** **келган** **нон**, **қатлама**, **чўзманинг** **ўзига** **тўққизта** **сандиқ** **тўлибди.** М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

**ЧҒЗМА-ЧАЛПАК** Ёгда пиширилган юпқа хамир таомлар.

**ЧҒЗМОҚ** | **Тортиб** **узайтирмоқ**, **узайтмоқ.** **Резинкани** **чўзмоқ.** **Хамирни** **чўзмоқ.** | **Уриб**, **пачоқлаб**, **чиғирдан** **ўтказиб** **ёки** **бошқа** **бирор** **йўл** **билан** **узайтирмоқ**, **ёймоқ.** **Симни** **болғалаб**

чўзмоқ. — Қоратой.. қизил чўғ бўлган темир парчасини болға билан гурс-гурс урар, ясиллар, чўзар, қайирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ёймоқ, ёзмоқ. Урин чўзмоқ. — Белни ол, нимага қараб турибсан? — деди Барот полвоғна минебоши, беллидаги кенг боғланган белбоғни чўзиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Узатмоқ, чўзилтирмоқ. Ёрдам қўлини чўзмоқ. Қўл чўзиб кўришмоқ. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади. Мақол. — Афғон чойфуруш қоринини тўйгазиб бўлиб, дарров оёқларини чўзди, тиззаларини уқалаб гапга тушди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Сал ўтгач, Олимовнинг ўзи ҳам бўйинини чўзиб тузоққа қаради. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Узайтирмоқ (муддат, вақт ва ш. к. ҳақида). Уқув йилини августгача чўзмоқ. | Орқага судрамоқ, кечиктирмоқ, пайсалга солмоқ. — Шкин кампанисини чўзиб юборманг. Э. Шошилмасликнинг иккинчи, ҳам кучли сабаби, мумкин қадар, тўйни узоққа чўзиб, шу воситада Анварни соғини.. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 Товушларни одатдагидан узунроқ талаффуз этиб, дона-дона қилиб гапирмоқ. — Ҳа, ҳа ундоқ дегин, — деди Ефим Данилович чўзиб, гўё мушкул бир масалани зўрға тушуниб олгандай. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 кўчма Бир гапни ҳа деб гапирарвермоқ, гап чайнамоқ, эзмалик қилмоқ. Гапни чўзмоқ. — Э, бўлди, кўп чўзма! Бир жағини очилса, қайтиб епилиши қийин. Уйғун, Навбахор.

6 Иқтисод қилиб, тежаб-тергаб кўпга етказмоқ. Оз пул олса ҳам, чўзиб-чўзиб уч кунга етказди. — Бу маблағни у [Тўғонбек] анча чўзди. Ойбек, Навоий.

7 с. т. Қўл билан бирор нарсани бермоқ, узатмоқ. Чўз-чўз! Бу ер ҳазилнинг жойи эмас. А. Қахҳор, Оғайнилар. Миробидга ўғил берди, севинчи чўзинглар! Ойбек, Қутлуғ қон. Совунгар балога қолишини билиб, тезда шу чўзди. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ Бўй чўзмоқ қ. бўй | 2. Кекирдак чўзмоқ қ. кекирдак.

ЧУЗҒИ грам. эск. Унли товуш ва унинг график белгиси (араб алфавитидан фойдаланилган вақтларда). У [Саидакбар] ҳарфларнинг чўзғиларини эгри-бегри ёзарди. Айний, Эсдалиқлар.

ЧУЗҒИЛАМОҚ Чўзиб тортмоқ, тортқиламоқ; чўзиб-чўзиб узайтирмоқ. [Жамолиддинни] уришаман ҳам-да, ҳаққим бор. Тоғасиман, қулогидан чўзғилаб қўяман. С. Юсупов, Осон ишнинг охи бор.

ЧУЗҒИН диал. Чўзиқ.

ЧҮК: чўк тушмоқ айн. чўк(ка) тушмоқ қ. чўк(ка). Чўк тушиб ўтирмоқ.

ЧҮҚАР айн. чўқарқанд.

ЧҮҚАРҚАНД Қовуннинг ширин бир нави.

ЧҮКИК Ичига кирган, чўккан, бот-

ган; ботиқ. Қобилжоннинг чўкик юзидан қони қонди, сабри қолмади. Х. Пўлат.

ЧҮҚИНДИ | Тинган суюқликнинг тагида чўккан қуйқаси, тагида тўпланиб қолган лойқа.

2 геол. Узоқ ўтмишда мавжуд бўлган, сув хавзаларининг тагидаги қолдиқлардан юзага келган тоғ жинслари.

ЧҮҚИРМОҚ | Тиз чўқтирмоқ, чўккалатмоқ (асосан туя ҳақида). Туяни чўқчириб минмоқ.

2 кўчма Уқситмоқ, чўқтирмоқ. Кўнглини чўқчириб юборди.

ЧҮҚИРТАҚ Чақир тиканакдай ўткир синиқ-мертик шох, илдиш, поя ва ш. к. Унда-бунда саксовул чўқиртаклари тарвақайлаб ётибди. Ш. Ғуломов, Сахрода.

◆ Чўқиртак тиш чириган, еликкан синиқ-мертик тиш.

ЧҮҚИЧ Қаттиқ тошлоқ ер, муз ва ш. к.ни қазичи, кавлаш учун ишлатиладиган учи ўткир пўлат асбоб; метин. Чўқич урмоқ. Чўқич билан ер юмшатмоқ. — Ҳар бири деасифат, бақувват йигитлар.. қўлларида.. гурзи, чўқмор, чўқич, лом, темир пона, искана. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧҮҚИЧЛАМОҚ | Чўқич билан уриб бўшатмоқ, ушатмоқ, бузмоқ, қазинмоқ, кавламоқ. Қўмир чўқичламоқ.

2 Болғалаб ишлов бермоқ. Олам бўйи тарқалди ишор: — Қиличларни қайта чўқичлаб; Биз уларни оловда ушлаб; Омоч-ўроқ қилайлик тайёр! Шайхзода.

ЧҮҚИЧЛАНМОҚ чўқичламоқ фл. ўзл. ва мажх. н.

ЧҮҚИЧЛАМОҚ чўқичламоқ фл. орт. н.

ЧҮҚИШМОҚ чўкмоқ | фл. бирг. н. Дўстлар иссиқ кўрага кириб, гулхан атрофидаги қалин наматлар устига чўқишди. С. Нуров, Қизилқум лочинлари.

ЧҮҚ(КА): чўк(ка) тушмоқ айн. чўккаламоқ | 1. Сидиқжон бориб, Болтабойнинг ёнига чўкка тушди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Ҳамма шу ерга тўпланди, Баъзилар ёнбошлаб олишган, баъзилар чўкка тушиб ўтирибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧҮҚКАЛАМОҚ | Оёқларни тиззадан букиб, тиз ва оёқ қафтларига таяниб ўтирмоқ, чўкка тушиб ўтирмоқ, чўкка тушмоқ. Этгани лой бўлганидан йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қайчириб, пастроққа чўккалади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Оёқлари букилиб тиззаларга таяниб қолмоқ, тиз чўкмоқ. От мункиб олдинги оёғи билан чўккалаб қолди. Ойдин, Фонарь тагида.

ЧҮҚКАЛАТИЛМОҚ чўккалатмоқ фл. мажх. н.

ЧҮҚКАЛАТМОҚ чўккаламоқ фл. орт. н. Йигитлар бандиларни қўрадан судраб чиқариб қоровулбеги уйи олдига олиб бориб чўккалатиб ўтқиқдилар. Айний, Қуллар.

ЧҮҚМА айн. чўқинди 2. Бухоро дельтасининг юзаси текис бўлса ҳам,..

кичик-кичик чўкмалар кўп. П. Ғуломов, Зарафшон этаклари. || Тоғ олди зонаси ва тоғлар оралиғидаги вудийлар геологик чўкма жинслардан ташкил топган. «УзССР иқтисодий географияси».

ЧҮҚМОҚ | Чўк тушмоқ, чўк тушиб, тизза билан ўтирмоқ. Ҳамма оҳиста турган ерида чўкди. Туя чўкса жой топар. Мақол. | Умуман ўтирмоқ. Шу маҳал қаршидан ширакайф бир одам келиб, скамейканинг бир четига оғир чўкди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Тиз чўкмоқ қ. тиз |.

2 Тиниб тагига ўтирмоқ, тинмоқ (суюқликдаги аралашма, қуйқа ва ш. к. ҳақида). Лойқа чўкиб сув тиниқлашибди. Намақобнинг тузи тагига чўкиб қолибди.

3 Ғарқ бўлмоқ, ботмоқ. Итарувчи куч жисм оғирлигидан кам бўлса, жисм чўкади. «Физика». Аҳиллик бор ерда темир ҳам сувга чўкмайди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. | Сувга оқиб, ботиб ҳалок бўлмоқ. | Дастлабки вазиятидан пасаймоқ, ўтирмоқ, ичкари ботмоқ. Ер чўкибди. Фундамент чўкибди. | кўчма Бир жойда ҳаракатсиз тўхтаб, туриб қолмоқ. Утмас моллар складда чўкяпти. Тарқатилган пул чўкканча чўкиб қолди.

4 кўчма Қадди, бўйи қисқариб пастроқ, калтароқ бўлиб қолмоқ, қисқа тортмоқ. Кампир ғамдан чўкди. Отам қариб анча чўкиб қолдилар.

5 Ич-ичига тушиб кетмоқ, ботмоқ, синиқмоқ. [Раиса] ишлага остидан [эрининг] чўккан қовоқлари, ҳорғин, сўнжик кўзларини кўрди. М. Худойқулов, Оханграбо ахтариб.

6 кўчма Иқтисодий ёки рухий тушқунликка тушмоқ, ўтириб қолмоқ, пастлашмоқ. Улмасой уч-тўрт кунда-ёқ чўкиб кетди; илгаригидай сергап ҳам эмас. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. «Правда» колохози чўкиб қолди, Раиси ношудлик қилди, ўз нафсини тийламади. Й. Шамшаров, Қумуш пёла.

7 кўчма Ўтирмоқ, тушмоқ. Жимлик чўкди. Оқиом чўкди. Кўзларига аллақандай маъюслик чўкди. — Тун чўккан бўлса ҳам, охиқ деразадан тикилиб турган осмон ёришиброқ кўринди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

8 кўчма Ботмоқ, чўммоқ, кўмилмоқ. Ҳаёлга чўкмоқ. Фикрга чўкмоқ.

◆ Кўнгли чўкди қ. кўнгил | 1. Оқ туя чўкди биринчи, дастлабки қор ёғди.

ЧҮҚТИРИЛМОҚ чўқтирмоқ фл. мажх. н. Туялар ёнма-ён чўқтирилди. Сув лойқаси идиш остига чўқтирилди.

ЧҮҚТИРМОҚ чўкмоқ фл. орт. н. Туяни чўқтирмоқ. Тиз чўқтирди. — Бўйнига осилиб уни ерга чўқтирдилар. «От» қилиб устига миндилар. Ж. Шарипов, Хоразм. Қариганда оқиқмагин ёшимчи, Чўқтирмагин, болам, қомат-бошимни. Йслом шоир. Қўй, кўнглингени чўқтирма, ҳалиям қирчил-

лама йигитлардан қолишмайсан. С. Анорбоев, Оқсой. Эски раислар бўйин эгармикин бу ёш жувонга. Ишласа ҳам бир йил ишлайди, лекин районни ўн йилга чўктириб кетади. И. Раҳим, Ихлос.

**ЧҮЛ 1** Уснмлик жуда кам ёки мутлақо йўқ, сувсиз бепоён дашт; сахро, биёбон. Қизилқум чўллари. Қақроқ чўл. Бойсун чўли. Чўли азим. Чўли малик. Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса чўл бўлур. Мақол. — Тоғу тош, сахрою чўллари гулистон айлабон, Шаҳарлар, ободонликлар, хушхаво қилди қалам. Ҳамза. Омон полвоннинг гапидан Охунбобоев завқаниб кетди. Балли, азаматлар. Чўл жиловини кўлларинга бердик. С. Аҳмад, Уфқ.

2 кўчма кам қўлл. Ташна, зор. Болага чўл хотин.

◆ Чўл ялпиз ёввойи ялпиз, кийик ўти.

**ЧҮЛИСТОН** Чўл-биёбондан иборат бўлган ер, қуруқ сахро. Амунинг ўнг қирғоғидаги бепоён чўлистонда бирдан-бири даҳшатли воқеалар юз бера бошлади. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Ажал этиб энаси йиғлаб турибди, Қорахоншоҳ бизга азоб берибди, Мазилимини у чўлистон қилибди. «Ширин билан Шакар».

**ЧҮЛИҚ** диал. Кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси. [Идрис Давлетов] чўлиқдан бош чўпонликка кўтарилди. Б. Махмудов, Овулдошлар олқиши.— Тоғларда кўкрагимизни шамолга бериб.. кўй боқамиз. Сиз чўпон бўлсангиз, мен чўлиқ,— деди Мардон Абдуназарга. М. Осим, Элчилар.

**ЧҮЛИҚЧИ** айн. чўлиқ.

**ЧҮЛЛАМОҚ** Сувга ташна бўлмақ; сувсамоқ, чаңсамоқ. Чўллаб оғзим қақраб кетди. Чўллаган ерлар. Чўллаган ғўзалар. — Семурғ дарёга кетди, Ҳаял ўтмасдан етди. Сувни шимирди чўллаб, Қанотларини хўллаб. Ҳ. Олимжон.

**ЧҮЛЛАТМОҚ** чўлламоқ фл. орт. н. Иссиқ ҳаво чўллатиб юборди. Шўр овқат чўллатади. Пахтани чўллатиб суғормоқ.

**ЧҮЛЛИК** Чўлда яшовчи киши, чўл кишиси. Кўпгина маданий-маиший объектлар чўлликларда хизмат қиляпти. М. Умаров, Мирзачўл истиқболи.

**ЧҮЛОҚ 1** Оёғи майиб; оқсоқ. Чўлоқ киши. Чўлоқ қуш. || Қолоқдан чўлоқ яши. Мақол. — Тўғри, ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдан тез учайди, ҳайронман. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўли ёки оёғи йўқ; инвалид. Кўли чўлоқ одам.

3 с. т. Оёғи сениқ, синган (стол, стул ва ш. к. ҳақида).

◆ Чўлоқ кетмон дастаси калта ёки синган кетмон.

**ЧҮЛОҚЛАНМОҚ 1** Оқсаб юрмақ, оқсоқланмоқ, оқсамоқ. [Гулсунбиби] чўлоқланиб оғилхонага югурди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Оёқ ёки қўлдан ажралиб ногирон, инвалид бўлиб қолмоқ.

**ЧҮЛОҚЛИК 1** чўлоқ с. белги оти. Оёқнинг чўлоқлиги. Кўлнинг чўлоқлиги. Стулнинг чўлоқлиги.

2 Оқсоқланиб юриш, оқсоқлик. У чўлоқларан, аммо чўлоқлик ва оғриқни жаҳл билан енгмоқчи бўлгандай, тўғри босишга тиришар, лекин зардаси бир неча қадамга етар эди, холос. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЧҮЛП** тақл. с. Нарсаларнинг сувга урилиши, бўса олиш ва ш. к. ҳаракатлардан ҳосил бўладиган товушлар ҳақида. Унинг [Чиннихоннинг] оёғи тағидан кўчан бир тош тиниқ сувга чўлп этиб тушиди. П. Қодиров, Юракдаги қуёш. У [Абдураҳмонов] икки кўлини белидан ўтказиб, кучоқлаб чўлп этиб юзидан ўпди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ЧҮЛПИ** Аёлларнинг сочга тақиладиган ёки кўкракка тушириб юриладиган кумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми.

**ЧҮЛПОН 1** (Ч — катта) астр. Ёруғ тонг юлдузи; Венера. Ун олти яшар қизга Чўлпон юлдузи чўриликка тайёр. «Эртақлар».

2 кўчма Ғўзал, чиройли, шахло кўз ҳақида. Хастасин кўрали ул дилбарни жонон келадур, Юзи моҳ, юлдузи ўт, кўзлари чўлпон келадур. Ҳамза.

3 Чўлпон (хотин-қизлар исми).

**ЧҮЛП-ЧҮЛП** чўлп с. тақр. Чўлп-чўлп ўлмақ.

**ЧҮЛТОҚ 1** Юлинган, кесилган, калта, тўмтоқ. Чўлтоқ ит. — Бирдан итларнинг турқи ўзарди-қолди: бошларини солиштириб, чўлтоқ дуллари ни қисиб ҳар ёнга тарқаб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Алексей Мадаминга ва унинг ёнида ётган бир чўлтоқ милтиқ билан эгри қиличга кўз олайтириб: — Бадаҳт! — деб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. Яғанадан чиққан ғўзаларни чўлтоқ қилиб кетган бўронлар мана шу тўқин куздан деҳқонни бенасиб қилмоқчи эди. С. Аҳмад, Машғаллар порлайди.

2 кўчма Нотўла, юмалоқ-ёстиқ, тўмтоқ. Чўлтоқ жавоб. || Ишонни чўлтоқ қилиб қўйибсиз. Жавоб чўлтоқ бўлиб қолди.

◆ Чўлтоқ супурги ишлатилвериб, ейлиб тўмтоқ бўлиб қолган супурги.

**ЧҮЛҚУВАР** Чўлни ўзлаштирувчи, кўрнқ ерларни экиб обод қилувчи. Йўлга кираверишида каттақон дарвоза пешанасидаги алвонда «Пахта байрамингиз муборак, чўлқуварлар!» деб ёзиб қўйилган. С. Қодиров, Чўл хуморлари. Қарл Маркс номли колхоз аъзолари Марказий Фарғонани гулистон қилаётган чўлқуварлардир. М. Исмоилий, Довруғингни ошир, Фарғона.

**ЧҮМДИРМОҚ** чўммоқ фл. орт. н. Сувга чўмдирмоқ. — Одамлар билан учрашув Ойқизни узоқ ва чуқур ҳаялларга чўмдирар эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧҮМИЛИШМОҚ** чўмилмоқ фл. бирг. н.

**ЧҮМИЛМОҚ 1** Чиниқиш, даволашни мақсадида ёки иссиқдан дарё, ҳовуз ва ш. к. сувига тушиб сузиб юрмақ. Баъзан ётиб, ағнаб, Гулларга кўмиламиз. Баъзан кумуш сувларда, яйрашиб чўмиламан. Уйғун.

2 Ечиниб ювинмоқ. Душда чўмилмоқ. Ҳаммомда чўмилмоқ. — Йўлчи анҳорда чўмилмоқчи эканини сўзлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Кўмилмоқ, чўммоқ, ботмоқ. Янги уйғонган, ям-яшил баргчалар билан ясанган дарахтлар қуёш нурида чўмилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Липиллайди ойна кўк, Кўркам унинг жилваси. Унинг сокин юзида, Чўмилар кун шуъласи. Т. Тўла.

**ЧҮМИЛТИРИЛМОҚ** чўмилтирмоқ фл. мажҳ. н.

**ЧҮМИЛТИРМОҚ** чўмилмоқ фл. орт. н. [Гулбахор:] Болани ҳам чўмилтиргани қўймади, жодугар! Ҳамза, Бойла хизматчи. Жангиларни тезда чўмилтириб, ички кийимларини янгилаш керак. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЧҮМИЧ** Суяқ овқатни шопириш ва сузиш учун ишлатиладиган узун дастали рўзғор асбоби; ёғлоғи. Ёғоч чўмич. Сирланган чўмич. Қозонда бўлса, чўмичга чиқар. Мақол. Туяни чўмич билан суғориб бўлмас. Мақол.

— Унинг [Нормуроднинг] аризасида битта қулоғи синган чўян қозон, битта чўмич ҳам ёзилган эди. Айний, Қуллар. Экскаватор чўмичи экскаваторнинг қум, тупроқ оладиган қисми. Зовур қазийтган полвон экскаваторнинг оғир чўмичи фил хартумидай баланда кўтарилиб тушмоқда. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

◆ Чўмичда қоқмоқ кимсанинг ҳақини, тегишини қоқиб, уриб қолмоқ.— Озуқадан ҳам, сувдан ҳам бизни чўмичда қоқишяпти,— йиғламсираб жавоб беришди улар. С. Маҳқамов, Хуррак.

**ЧҮМИЧЛАМОҚ** Чўмич билан сузмақ ёки ўлчамоқ. Хўрандалар сотувчининг атрофини ўраб ерга чўққайиб ўтирибдилар. Ошпазлар [овқатни] чўмичлаб сузиб бериб турибди. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ЧҮМИШМОҚ** чўммоқ фл. бирг. н.

**ЧҮММОҚ 1** Суяқликка, сувга ёки юмшоқ нарсга ботмоқ, чўкмоқ, кўмилмоқ. Сувга чўммоқ. — Тошларда табасум сочиб ётган қуёшининг олтин шафақлари сувларда чўмиб ўйнайди. Миртемир. Саодат.. ич кўйлагига бир оз атир сепиб олган, оқ чойшаблар орасига кириб, пар ёстиққа чўмди. И. Раҳим, Ихлос.

2 кўчма Берилмоқ, кўмилмоқ, ботмоқ. Ҳаялга чўммоқ. — Бу ҳикояни эшитган командир фикрга чўмиб кетди. Айний, Қуллар. Уста Баҳром.. узоқ сукутага чўмиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У [Муҳаммад Жамол] ҳаял ва узоқ хотиралар денгизига чўмди. Ойбек, Нур қидириб.

Юзага келмоқ, қарор топмоқ, чўкмоқ. Эшик қаттиқ ёпилади-ю, орага чуқур жимлик чўмди. М. Жабборов, Севинч ёшлари. | Кўмилмоқ, ботмоқ, қопланмоқ. Нурга чўмган қишлоқ. — [Ёшлар] ҳаммалари бир бўлиб электр чироқларини нурига чўмган катта кўчаларини сайр қилиб кетдилар. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЧҲНГ** [хит] диал. Катта, улкан, зўр. Чўнг харсанг. Чўнг гавдали. Чўнг дарё. Чўнг Олой яйловлари. — Ҳўл ва қуруқ ҳолда дастурхонни безаган ҳам узум,.. чўнг даромад манбаи ҳам узум. Р. Мусамухамедов, Яхшидан боғ қолади. Андижонликларнинг карвони.. умид манзилга етиб келди. Аммо бу билан олди-мизда турган чўнг вазибалар тамомига етди эмас. Ғ. Фулом, Жон Андижон.

**ЧҲНТАК I** Кийимнинг пул ва бошқа зарур енгил нарсалар солиб юриш учун тикилган сиртқи ёки ички халтачаси; кисса. Ён чўнтак. Ички чўнтак. Қўйин чўнтак. Устки чўнтак. Соат чўнтак. | Чўнтак соат. — Узбек ойм чўнтагига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. А. Қодирий, Утган кунлар. Чўнтак дафтар ёнда олиб юриладиган кичик хотира дафтарчаси; ён дафтар. Элмурод Оймихон ва Гулсум тўғрисида гапирганда, Алексей Иванович бу номларни чўнтак дафтарига ёзиб олди. П. Турсун, Ҳўитувчи.

2 *кўчма с. т.* Кимсага тегишли маблағ, пул. Уз чўнтагидан сарф қилмоқ. Бировнинг чўнтагига тушмоқ. — [Мирбадал:] Арава деган лағнати маъазинда қалашиб турмас экан.— [Валихўжа:] Қалашиб турмас экан деб колхоз чўнтагига қўл солиш яхшими? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

◆ **Чўнтак кесар** киссавур, ўғри.  
**ЧҲНҚАЙИШМОҚ** чўнқаймоқ *фл.* {бирг. н.

**ЧҲНҚАЙМОҚ I** Оёқларини тиззадан букиб ва икки оёқ панжасига таяниб ўтирмоқ. Қумушибиби ариқ бўйидаги бир ўринни кўзлади-да, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. А. Қодирий, Утган кунлар. Бир вақт қараса, булоқ бўйида бир аёл чўнқайиб олиб пешанасига ҳўл рўймолча босяпти. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Орқа оёқларини букиб ўтирмоқ (хайвонлар ҳақида).

**ЧҲНҚАЙТИРМОҚ** чўнқаймоқ *фл.* орт. н.

**ЧҲНҚИР** с. т. Чуқур, теран. Чўнқир ҳовуз.

**ЧҲП** [ф-т] I Новда, шох бўлаги; ингичка, узун тараша, ёғоч парчаси. Чўп билан тиш кавламоқ. Чўпни хор тутма, кўзингга санчилур. Мақол. Аяган кўзга чўп тушар. Мақол. | Утин, тараша. Мен ҳозир самоварга чўп ташлаб келаман. С. Кароматов, Тоғлар табассуми.

2 Бирор мақсад учун махсус тайёрланган таёқча. Ногора чўп. Лангар чўп. — Чўпнинг учи билан тўғри келган сўзни кўрсатди-ю, болалардан

бирининг отини айтиб сўради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Молга овқат бўладиган қуруқ ўт, хас-хашак (беда, пичан ва ш. к.). Уй эгаси Муқимийни ётқизиб, дарғанинг отига яна пича чўп солган, кўча эшикни тамбалаб, оёқ учда ичкарига кириб кетди. С. Абдулло, Мавлоно Муқимий. | Ҳсимлик, гиёҳ. Норинда сув бор экан, Чўллар сувга зор экан. Чўп битмаган биебон, Сув келса гулзор экан. «Кўшиқлар».

◆ **Чўп бўлиб кетмоқ** (ёки қолмоқ) озиб кетмоқ, ориқлаб қилтириқ бўлиб қолмоқ. Икромжон бўлса озиб, чўп бўлиб кетган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Кўй оғзидан чўп олманган қ. кўй. Кўзига чўп солмоқ (ёки ташламоқ) қ. кўз. Чўп тўшди орага совуқчилик, хиралик тушди, иш бузилди. Ширин суҳбатга чўп тушди. Орага чўп тушди. — У [Ҳасанали] Отабекдаги бу ҳолларнинг сирини биландек, муҳаббатни орасига чўп бўлиб тушган кейинги уйланиши аламиндан, деб қарор қилиб қўйган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Чўлдан ҳадик олмоқ ҳар нарсадан ҳадик олмоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиксиромоқ, қўрқмоқ. [Салмонов:] Хулосаларга қараб иш кўриш лозимлигини унутдим, чўпдан ҳадик олдим.. ҳар ҳолда, иш жуда сусайиб кетган эди. И. Қаландаров, Шохидмас, баргида. У ердаги чўпни бу ерга олиб қўймайди ҳеч иш қилмайди, оймтилла.

**ЧҲПИЛЛАТМОҚ** «Чўп-чўл» овоз чиқармоқ. У [Нигора] онасининг бўйига осилиб, у юзидан-бу юзидан чўпиллатиб ўпа бошлади. С. Аҳмад, Пойқалам.

**ЧҲПОН** [ф-т] Яйловда майда мол боқувчи. Эчкининг калтак егиси келса, чўпоннинг таёғига суркалади. Мақол. Ит чўпоннинг қўлдоши, ёлғизликда йўлдоши. Мақол. — Ана, чўпон йиғит яшил майсазорга ёнбошлаб, қамши сувизғасини чалаётибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЧҲПХИНА** Ёввойи хина.

**ЧҲПЧАК I** I Топишмоқ, жумбоқ. 2 Халқ оғзаки ижодида: хикоя, эртақ. Нега зерикасан энди? Бир йил, ярим йил най чалиб, чўпчак айтиб бериб юраман. Ҳ. Фулом, Машғал. | с. т. Афсона. Шошманг, яна бир нарсани айтиб берай, бунга чўпчак дейсиз, лекин ўнқай чин сўз. Ойбек, Қутлур қон.

**ЧҲПЧАК II** Ёқиладиган майда қуруқ шох-шабба, хас-чўп. Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЧҲПЧАҚЧИ** I Топишмоқ тўқувчи, топишмоққа уста одам.

2 Эртақ айтувчи, халқ эртақларини яхши биладиган ва таъсирли қилиб айтувчи одам; эртақчи.

**ЧҲРИ тар.** I Қул хотин; тутқунликдаги аёл. У қишлоқларда фақат қиз чўрилардан қирқ нафар бўлиб, уларга эгалари кўп зулм қилар эканлар.

Айний, Эсдалиқлар. Фуқарони ўз жонидан тўйдирган, Элнинг қизи хонга чўри, ўғли қул. С. Абдулла.

2 Ҳизматкор хотин; оқсоч. Чўри бўлганидан кейин ҳар хил ишларни қилвериб, кўзунг пишиб қолар экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уй чўриси уй иши билангина банд бўлган хотин.

**ЧҲРИЛИК** чўри с. маъ. от. Чўрилиқ қилмоқ.

**ЧҲРТ** рви Кескин, шарт, шартта. Чўрт йеирилмоқ. Чўрт кесиб гапирмоқ. Чўрт синиб тушмоқ. Чўрт узилиб кетмоқ. || Чўрт жавоб. Чўрт сўз. — Назаримни ундан [Рустамдан] узиб олдим-да, чўрт бурилиб кета қолдим,— деди қиз. Ҳ. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Таваб қилдим, гапимни қайтиб олдим. Ҳали ҳам ўша чўрт сўзлигинг қолмабди-да! Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Чўрт кесар шартта гапирадиган, айтадиган. Чўрт кесар аёл.

**ЧҲРТАН:** чўртан балиқ дарё ва кўлларда яшайдиган майда ўткир тишли йиртқич балиқ. [Ҳовуздаги] зорғора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб.. гоҳ биланглаб ўйнаб шўнғиб кетарди. Ҳ. Шарипов, Хоразм.

**ЧҲРТТА** кам қўлл. айн. чўрт.

**ЧҲТ I** [р счёты] I Бухгалтерияда, идораларда қўлланиладиган, доналарини суриб қўшув ва айирув амалари бажариладиган солда мослама. Чўт қоқмоқ. Чўтга солмоқ. Чўтга (чўт билан) солиб ҳисобламоқ. — Хоҳласангиз мана чўт.— Бой тоқчадан чўтни олиб, Муҳаммад Расулга сурди.— Бизга барибир, чўтсиз ҳисоблай берамиз. Ойбек, Қутлур қон.

2 Мўлжал, таҳмин, ҳисоб. Чўт қилибдир: Ерни ташлаб қочайми деб; Номардликни ўз-ўзига билмабди э. Ғ. Фулом. Ҳом чўт қилмоқ таҳминий ҳисоблаб чиқмоқ, чамалаб кўрмоқ.

◆ **Чўт бермайди** фойда бермайди.— Тракторларимиз ёмон эмас, лекин «Универсаллар» бир оз чўт бермай қўйди,.. — деди Икромжон. И. Раҳим, Ҳислат. Чўт эмас писанд эмас, ҳеч нарса, ҳеч гап эмас. [Бекнинг] янги ўртоғи Анварга икки юз-уч юз сўм чўт эмас, дадасининг машинаси ҳам унга қарашли. А. Мухтор, Туғилиш.

**ЧҲТ II** диал. Теша.

**ЧҲТАЛ** Қимор ўйинларида ютган томондан олинадиган пул, улуш. Эҳҳе, иш катта-ку. Омад тилайман, чўталдан чўзасиз-да. Ойбек, Қутлур қон. Ҳамёни, пулни, узукни [миршаблар] менга олиб бердилар. Лекин бир ярим танга чўтал олиб қолдилар. Ғ. Фулом, Шум бола.

**ЧҲТАЛЧИ** Қиморда ютқудан чўтал олувчи одам. Қиморни бошқарадиган чўталчи ютган томондан ўн сўмга бир сўм олиб тураб, баъзан чўтал пулдан ютқазганларни қарз бериб «кўтариб» қўяр эди. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

**ЧҲТИР I** Чечак, қўтир ва ш. к.нинг

изни қолган. **Чўтир башара.** — Буни кўрган Мадамнинг чўтир юзи тиришиб, кўзларида ғазаб учқунлари чақнади. П. Турсун, Уқитувчи. Босмачилар бошлғи баланд бўйли қотмадан келган бир чўтир киши экан. Ш. Ғуломов, Ерқин йўллар. || Назаримда, йиғирма-йиғирма беш ёшлар ўртасида кўзингга чўтир ҳам соҳибжамол, ҳўрилиқо кўринади шекилли-да! Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ғадир-будур, ўнқир-чўнқир. Чўтир ёнғоқ.

**ЧҮТКА** [р шётка] 1 Нарсаларни ювиш, тозалаш учун дастага тартибли қилиб маҳкамланган қил толаларидан ёки симлардан иборат буюм. Қил чўтка. Металл чўтка. Тиш чўтқаси. Қийим чўтқаси. — Фотима опа унинг бурди кетиб қолган йиртиқ ботинкасини эски чўтка билан мойламақда. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 Бўяш, оқлаш учун кўпинча қилдан ясаладиган асбоб; мўйқалам. Бўёқчиллик чўтқаси. Чўтка билан бўёқ бермоқ.

**ЧҮТКАЛАМОҚ** Чўтка билан тозаламоқ. Қийимларни чўткаламоқ. — Келин зар погонли кителни чўткалаятти. С. Аҳмад, Уйлар.

**ЧҮТКАЛАНМОҚ** чўткаламоқ фл. мажх. н.

**ЧҮТКАЛАТМОҚ** чўткаламоқ фл. орт. н.

**ЧҮТЛАМОҚ** Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мўлжаллаб, чоғлаб кўрмоқ. Ижкониятларни чўтлаб кўрмоқ. — Мутал шаҳардан дили ёришиб чиқди. Умуман сафари ўнғидан келди, қишлоқдан чўтлаб чиққан.. ишлари юришиб, янги масалалар бугун ҳал бўлди. О. Ёқубов, Ларза.

**ЧҮТЛАНМОҚ** чўтламоқ фл. мажх. н.

**ЧҮТЛАТМОҚ** чўтламоқ фл. орт. н. **ЧҮТЛАШМОҚ** чўтламоқ фл. бирг. н. Бавзи бировлар.. тоққа чиқиб қилинадиган ишларни ўзларича чўтлашди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ЧҮЧУКИ** 1 Бехос ташқи таъсирдан сакраб, сапчиб тушмоқ, сесканмоқ. Чўчиб уйғонмоқ. — Зерикаётганингиз йўқми, ишқилиб? — Элмурод бу овоздан чўчиб тушди. П. Турсун, Уқитувчи. Катта қора сигир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди. Бой чўчиб, ўзини нетга олди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шунақа қаҳ-қаҳ солиб беғубор кулишадик, дарахтларда тунаган қушлар чўчиб қанот қоқади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Кўчма Кўрқмоқ, ҳадиксирамоқ; шубхаланмоқ. Қийинчиликлардан чўчимоқ. — Ваҳима қилманг, бола, чўчийдиганлардан эмасман. Ф. Мусажонов, Хури. [Кудрат] тўғриси, Марҳаматдан дакки зийтаманми, деб чўчиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Мухаррам ўта бахтлилғидан чўчийди. Шухрат, Шинелли йиллар. Раис бир зум ўтмай, ўзи ўйлаган

фикрлардан чўчиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЧҮЧИТМОҚ** чўчимоқ фл. орт. н. Эшикнинг кўјққидан очилиши Вали акани чўчитиб юборди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. [Кўзбой:] Хали, қўлга қирай деган кўннинг чўчиганини эслаб, дами ичига тушди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Бу гаплар Замирани чўчитар, Очил уни ёмон ўйла бошлаётгандай туюларди. П. Қодиров, Уч илди.

**ЧҮЧОҚ** айн. чук.

**ЧҮЧИШМОҚ** чўчимоқ фл. бирг. н. **ЧҮЧЧАЙМОҚ** Аразлаган, ўншайган ёки пуфлаётгандек, буришиб, бир оз олға чўзилмоқ (лаб ҳаракати ҳақида). Нега лаби чўччайиб қолди?

**ЧҮЧЧАЙТИРМОҚ** чўччаймоқ фл. орт. н. [Эраш] лабларини чўччайтириб, зўр бериб хуштак чаларди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**ЧҮЧҚА** 1 Гўшт-ёғи ва териси учун боқиладиган, жуфт туёқли калта оёқли, сутёмизувчи уй хайвони. Наслдор чўчқа. Ёввойи чўчқа. Хонаки чўчқа. Чўчқа боқувчи. Чўчқа фермаси.

2 сўқ. Аблах, хайвон.— Менимча, Қоратой темирни сувга «жаз» босиб гапирди,— Мирзакаримбой чўчқа бойлардан бўлса ҳам, сенга ён босар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЧҮЧҚАБОҚАР** Чўчқа боқувчи.

**ЧҮЧҚАЧИЛИК** Чўчқа боқиш ва қишлоқ хўжалигининг шу ишга тааллуқли соҳаси. Чўчқачилик совхози. — Ашир чўчқабоқар бўлганидан бери колхоз чўчқачиликдан зарар кўрса кўрдик, фойда кўрмайдик. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЧҮҲЯН** [р чугун] Пўлат ҳосил қилиш ёки қўйма деталлар тайёрлаш учун ишлатиладиган, углерод билан темирдан иборат қотишма. Оқ чўян. Кул ранг чўян. || Чўян қозон — [Жапақнинг] чайир ва бақувват гавдаси чироқ шуъласида чўян хайкал каби йилтилар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЧҮҚИЛАМОҚ** 1 Ҳа деб чўқийвермоқ, дамба-дам, тўхтовсиз чўқимоқ, тўхтовсиз чўчиб ёмоқ ёки зарба бермоқ. Жўжалар чўқилаб дон ёмоқда. Қизилитон чўқилаб дарахт тешмоқда.

2 Кўчма Ҳа деб уришавермоқ, бўлар-бўлмасга қойийвермоқ, хар ёндан ёки тинмай танбёқ бермоқ; таламоқ. Коллектив ўртага олиб изза қилди, бўлмади. Кейин кўпчилик уни чўқилаб қавушини тўғрилаб қўйди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

3 Кўчма с. т. У ер-бу ердан қўл учи билан чимдиб ёмоқ, татинмоқ. Ошдан бир-икки чўқилади.

**ЧҮҚИЛАНМОҚ** чўқиламоқ фл. мажх. н.

**ЧҮҚИЛАТМОҚ** чўқиламоқ фл. орт. н.

**ЧҮҚИЛАШМОҚ** чўқиламоқ фл. бирг. н. Қушлар дон талашиб, чўқилашмоқда. — [Қори:] Яна учрашдиларинг, чўқилашганларинг чўқилашган! Уйғун, Дўстлар.

**ЧҮҚИЛМОҚ** чўқимоқ фл. мажх. н. **ЧҮҚИМОҚ** 1 Тумшуқ билан илиб олиб ёмоқ. Жўжалар дон чўқиммоқда. Қушлар узумларни чўқиб кетяпти. Мулла билганини ўқир, товуқ кўрганини чўқир. Мақол. — Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва бир бош қуш чўқиган қандайдир узум бор эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тумшуқ билан зарб бермоқ. Хўроз қўлимни чўқиб олди. Қуш чўқиб тешган ёнғоқ. Қарға қарганинг кўзини чўқимайди. Мақол.

2 Қўл учи билан чимдиб ёмоқ, еб кўрмоқ, татинмоқ. [Ҳожи ва Ҳасанали] сўзлашмасдангина лагандан бир мунча чўқиган бўлдилар-да, қўл артдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Битта-битта чўқибоқ қорни ёришгундай бўлиб кетди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 Кўчма с. т. Қаттиқ гапирмоқ, бўлар-бўлмасга қойинмоқ; уришмоқ. Ораларида зўр-зўр адвокатларни чўқиб ташлайдиган раҳбарлар бор эмиш. Ойбек, Улуғ йўл. Лабингни бурма, Бегим. Мен сенга икки чўқиганинда қочирадиган қизлардан эмасман, фронтчи йигитман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ Бир чўчиб, икки қарайди жуда эҳтиёткор одам ҳақида.

**ЧҮҚИНДИ** дин. Мусулмон динидан қайтиб, христиан динига кирган, чўқинган. — У [Зокрижон] ўн икки ёшида найрангбоз Азим чўқинди тўпига қўшилиб, жарчилик қилган. М. Қодиров, Ханда ва қаҳқаҳа усталари.

**ЧҮҚИНМОҚ** 1 1 дин. Қўл учини пешанасига ва икки елкасига келтириб ибодат қилмоқ, худого снғинмоқ (христианларда). | Христиан динига кирмоқ.

2 Умуман ибодат, сажда қилмоқ, снғинмоқ, топинмоқ. Бутга чўқинмоқ. Оловга чўқинмоқ.

3 Кўчма салб. Қулларча сажда қилмоқ, снғинмоқ, топинмоқ. Пулга чўқинадиган одам.

**ЧҮҚИНМОҚ** II чўқимоқ 1, 2 фл. ўзл. н.— Анови Мусулмонқул бўлмасга, бошқа Алмиқул бош кўтариши аниқ! — деди қушбеги ва дастурхондан чўқиниб давом этди. А. Қодирий, Утган кунлар. Тўрқовоқ ичиде туллак ҳам қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас. Ғ. Ғулом.

**ЧҮҚИНТИРМОҚ** чўқинмоқ I фл. орт. н. Узига чўқинтирмоқ.

**ЧҮҚИТМОҚ** чўқимоқ фл. орт. н. Беданасини чўқитиб олди. — Тузук,— деди Зайнаб,— лекин ҳар қадамда унинг ҳузурини бузаман, бир чўқитиб, ўн қаратаман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЧҮҚИШМОҚ** чўқимоқ фл. бирг. н. Булар бир-бири билан [Мираҳим билан мингбоши] чўқийиб турганча мен кийиниб олдим. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ЧҮҚИШТИРМОҚ** I чўқинмоқ фл. орт. н. Хўрозларни чўқиштирмоқ.

2 Май косаларини бир-биринга те-



гизиб олмоқ, уриштирмоқ. Амир мўғул маст, қийиқ кўзларини Шаҳобиддинга тикди ва қўлини чўзиб у билан гулдор пиделаларни чўқиштирди. Ойбек, Навоий.

**ЧУҚМОР** 1 Тўқмоқ шаклидаги қадимий уруш қуроли; гурзи, шашпар. Полвон йўлда кетар экан, ҳозироқ бориб тўранинг бошига чўқмор билан солгуси, бўғиб ўлдиргуси келиб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тош кесадиган оғир тўқмоқ. Фарҳод қўлида теши ва чўқмори билан катта-катта тоғ тошларини қўпориб, Сирни бўға бошлади. И. Жабборов, Кўхна харобалар сирни.

**ЧУҚҚАЙМОҚ** 1 айн. **чўнқаймоқ**. Зумрад эшик олдига шилдираб оқиб турган сув лабига чўққайди. Ойбек, Зумрад.

2 Диккаймоқ, диккайиб, қаққайиб чиқиб турмоқ. Чўққайган катта тош.

**ЧУҚҚАЙТИРМОҚ** **чўққаймоқ** фл. орт. н.

**ЧУҚҚАРА** диал. Соққа (ёнроқ ўйинида).

**ЧУҚҚИ** 1 Тик нарсаларнинг энг юқори, балаңд нуқтаси, жойи. Тоғ чўққиси. Дор чўққиси. Бино чўққисидаги қизил байроқ. — Ҳаво айнияти, укажон. Бунақа ҳавода чўққига чиқши хавфли. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўчма Эришилган ёки эришлиши мумкин бўлган энг юқори поғона, даража, энг юксак кўрсаткич, олий нуқта. Илм-фан чўққиси. Бахт чўққиси. Қамолат чўққиси. Тараққиётнинг чўққиси. Ижод чўққиси. — Саккиз юз йилдирик, шонли байроғинг, Ғалаба чўққиси узра намоён. Ғ. Ғуллом. Нашириёт ходимлари беш йиллик мобайнида янги-янги муваффақиятлар чўққиларини эгаллашлари керак. А. Саидов, Ютуқ ва режалар.

◆ **Чўққи соқол** 1) учли қилиб қўйилган соқол; эчки соқол. Қори битта-иккита оқ оралаган чўққи соқолининг учини ушлаб илжайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) шундай соқолли киши. Эшикни чўққи соқол, нуруний бир чол очди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЧУҒ** 1 Алангаси сўнган қип-қизил ўт, олов. Лахча чўғ. Самоварга чўғ ташламоқ. — Бозорбой яна бир хокандоз чўғ келтириб ўчоққа солди. П. Турсунов, Ҳўқитувчи. Тўнғак ярми чўғ бўлгани ҳолда тўтаб ётибди. Ҳ. Шамс, Душман. Куллар кўкка учар, ..чалалар чўққа айланар эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўчма Ўт, олов, уқун. Қўздан чўғ учиб турипти. Аланга, харорат, оташ. Ишқ чўғи. Умид чўғлари. Юрак чўғи. — [Эргашининг] ёнига бориб бўлмайдди, чўғ бўлиб юрибди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. У лишаб турган чўғ. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Ўзини ўтга, чўққа урмоқ** мақсадга эришиш учун ўзини ҳар ёққа урмоқ, ҳеч нарсадан қўрқмай, тап тормай ҳаракат қилмоқ. Биз ёшигимизда кўрган қаттиқчиликни шу болаларим

кўрмасин деб, ўзимни ўтга ҳам урдим, чўққа ҳам урдим. И. Уктамов, Ҳикоялар.

**ЧУҒ** II Салмоқ, чама. Ҳосилнинг чўғи яхши. Чўғи йўқ нарса. — [Нонни] салмоқлаб кўр, чўғи оғирроғидан ол. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ЧУҒЛАНМА**: **чўғланма** тола электр ўтганда қизиб, чўғланиб ёрқин нур берадиган тола. Электр лампанинг чўғланма толаси. **Чўғланма** лампа чўғланма толали электр лампа.

**ЧУҒЛАНМОҚ** I Чўғ ҳолига келмоқ, чўққа айланоқ; чўғдек қизармоқ. [Элмурод] чўғланган учқунлардан келасида аланга чиқишини билмас эди. П. Турсунов, Ҳўқитувчи.

2 кўчма Чўғдек ёнмоқ, ярқирамоқ. Ефим Данилович ўтирган жойида қошиб қолди, унинг юзи қорайиб кетди, оғир босиб тушган пахмоқ малла қошлари тағида кўзлари чўғланди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЧУҒЛАНТИРМОҚ** **чўғланмоқ** фл. орт. н. У [Уста Маждид] Шукурхоннинг юрагида ўчиб қолган умид учқунларини бир нафасга қайта чўғлантириб юборди. О. Ёқубов, Ота изидан.

**ЧУҒОЛ** I Бақувват, тўла келган; ғўлабур. Яна бир чўғолроғи «Нормат акам урушга боряпти, Гитлерни ўлдириб келади», деб бошқаларнинг гапини бўлиб қўяди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 эск. Бақувват, кучли хизматкор. Хоннинг рағбти сув чиқаришига тўхтади.. Барча шаҳар ва қишлоқларга саркорлар, чўғоллар тарқатди. Улар халқдан солиқ йиғиштиришга, ёрдам тўплашга буюрилган эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

## Ш

**Ш** Ўзбек алфавитининг йнгирма олтинчи харфи; қ. ша.

**ША** «Ш» харфининг номи.

**ШАБ** [ф-т] кт. Сутканинг қоронғи қисми; кеч, тун, кеча. Учинчи шаб ул сакбачча кечаги бесаранжомликни баттарроқ қилди. А. Қодирий, Калвак махзум. **Бозори шаб** эск. рўза кунларида кечаси бўладиган бозор, тунги бозор. [Шайхантахурда] болалар жуда кўп, бозори шабнинг ҳар бурида тенгираб юришади. Ойбек, Болалик. **Шаби хижрон** поэт. айрилиқ тунни, айрилиқ кечаси.

**ШАБАДА** Енгил, майин шамол. Субҳидам шабадаси. Оқшом шабадаси. Баҳор шабадаси. — Тонг чоғи, ҳаво очик, офтоб ҳали чиқмаган. Лекин юлдузлар кўринмайди, ёқимли шабада эсмоқда. Айний, Дохунда. Дарахтларга боғланган ҳар хил латта-лутталар баъзан эсан кечки шабадада тебранар ва мозорга кўрқинчли тус бағишларди. С. Зуннунова, Гулхан.

◆ **Кўкрагига шабада** тегди айн. **кўкрагига шамол** тегди қ. шамол. Юра-

ги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса, буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ШАБАДАЛАМОҚ** I Тоза, соф ҳавода бўлмоқ, тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ. — Бирпас шабадаланг, райком болам,— деди чол. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 айн. **шамолламоқ** I. Нега қўғалдингиз, тўрам? Шабадалаб қолманг, яна. И. Султон, Бургутнинг парвози.

**ШАБАДАЛАТМОҚ** **шабадаламоқ** фл. орт. н. Уруғлик чигитларни шабадалатмоқ. Чақалоқни шабадалатиб қўйма. Хоналарни тез-тез шабадалатиб туриши керак. — Хирмонга тўкилган пахтани қўлаб қилиш, ёйиб шабадалатиши, қоплаш ва жўнатиши — анча машаққатли иш. И. Раҳим, Куз лавҳалари.

**ШАББОДА** поэт. айн. шабада. Шаббадалар тарар сочинени. Қўзғу тутар сувлар юзингиз. Ман-ман деган барно йигитлар Бош уради босган изингиз. Уйғун. Ва шаббода қурғур илк сахар. Олиб кетди гулнинг тотини. Ҳ. Олимжон. Юзларимга майинлик билан Хуш шаббаданг урилди салқин. Ҳ. Салоҳ.

**ШАБГАРД** [ф-т] эск. тар. Тунги қоровул; миршаб. Бандиларнинг тевагани яланғоч қилич кўтарган шабгардлар ўраб олган. Айний, Қуллар. Растанинг ўртасида девордаги қоziққа осилган қора фонус хира ёнмоқда, чироқ остидаги гулхан олдида.. шабгард [миршаб одами] ётарди. Айний, Дохунда.

**ШАБДОР** [ф-т] Йўнғичқанинг бир тури.

**ШАБИСТОН** [ф-т] I эск. кт. Кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси.

2 кўчма поэт. Қоронғилик, зулмат ҳукмрон бўлган жой; қора тун. **Шамъи шабистон** қоронғиликни, максанни ёритувчи нур, равшан чироқ. Учмагай сўнгра Муқийм, шамъи шабистоним менинг. Муқимий.

**ШАБКЎР** Кечаси, қоронғи тушганда кўролмайдиган. **Шабкўр одам**.. — [Узоқ вақт] овқат емаслик натижасида кишининг боши айланади.. кўзлари хиралашади, ҳатто шабкўр бўлиб қолади. Т. Сиддиқов, Рўза ва қурбон ҳайити ҳақида.

**ШАБКЎРЛИК** **шабкўр** с. белги оти. Ёш мол сут ёки ем-хашак орқали витамин «А» олмаса.. [унда] **шабкўрлик** аломатлари рўй беради. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 32.

**ШАБЛОН** I [р<нем] I тех. Бирор нарсанинг қолипи; андаза. **Шаблон** ясалмоқ. — Чигит селжаларини созлаш учун Ўрта Осиё механизациялаш ва электрлаштириш институтида яратилган «ПС-56» шаблони республика санвати томонидан бир неча юз дона ишлаб чиқарилди. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 2 апрель.

2 кўчма Чайналган, сийқаси чиққан нарсга кўр-кўрона эргашин, қуруқ сафсата. **Партия пропагандасида**

шаблонга ва сийқалаштиришга йўл қўйиб бўлмади. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 294.

**ШАБЛОН II** [р шаблонный] Қўр-қўрона тақлид қилишга асосланган; бир қолипдаги, сийқаси чиққан, чайналган. *Шаблон нутқ. Шаблон мақола.*

**ШАБЛОНЛАШМОҚ** Шаблонга айланмоқ, сийқалашмоқ. *Шаблонлашган усул. Шаблонлашган ибора.*

**ШАБЛОНЛАШТИРИЛМОҚ** шаблонлаштирмоқ *фл. мажх. н. Шаблонлаштирилган мақола.*

**ШАБЛОНЛАШТИРМОҚ** шаблонлашмоқ *фл. орт. н. Масалани шаблонлаштирмоқ.*

**ШАБЛОНЧИЛИК** Иш ёки ҳаракатда қўр-қўрона тақлид қилиш, сийқаси чиққан усулни қўллаш. *Шаблончилика қарши курашмоқ.*

**ШАБНАМ** [ф-т] Бахорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли майда томчилар тарзида ерга инадиган ҳаводаги, атмосферадаги буғ намлик; ҳаводан инган муссаффо томчи.— Қудуқларда сув камайиб қолганда қўйларга тонг шабнами кўнган гиж шимитиб ҳам олиб юрдим,— деди Чатоқбобо. С. Нуоров, Дурдона. *Эрталлабки шабнам қуёш иссиғида дарҳол кўтариладигандай, хафалик ҳам Ойқиз дилидан дарҳол кўтарилиб кетди.*

Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отам эккан чигитлар Бирдан текис унади; Шабнам эмган гўзалар Нур қўйнида кулади.* З. Днёр.

**ШАБНАМЛАНМОҚ** Шабнам билан қопланмоқ, юзига шабнам тушмоқ. *Ёқут кўзли олтин узук билан порласа, Келинчакнинг хиналанган носик бармоғи, Чанқоқ-чанқоқ термулишлар — биринчи бўса Шабнаманас себарганине тоза яроғи.* Ғ. Ғулум.

**ШАБНАМЛИ** Шабнам тушган; шабнам кўнган, шабнам билан қопланган. *Бир баҳорнинг шабнамли тонги эди, Япроқ йиғлоқ киприклардай намланган.* А. Умарий.

**ШАБНАМСИЗ** Шабнам тушмаган; шабнам кўнмаган. *Шабнамсиз тонг. Шабнамсиз қуруқ майсалар.*

**ШАБОХУН** [ф-т]: шабохун урмоқ 1) бирор томонга қараб югурмоқ, чопмоқ; жуфтакни ростламоқ. *Охири, чолкампир маслахташмиш, ..бир кечадаёқ шабохун уриб, узоқ бир қишлоққа ғойиб бўлди.* Ғайратий, Сабаби тириклик; 2) эск. кечаси қўққисдан хужум қилмоқ, билдирмай бостириб кирмоқ.

**ШАБОҲАНГ** [ф-т] (Ш — катта) *астр.* Катта Ит буржидаги энг йирик ёруғ юлдуз.

**ШАБПАРАК** [ф-т] *эск. кт. айн.* кўршалак. *Кундуздан сўрадим: — муҳолифине ким? Дедик: Шабпарак, бойғули, бўри.* Шайхзода.

**ШАБРАНГ** [ф-т] *эск.* Қора рангдан, қора.

**ШАБРОН** [р шевро] *айн.* шевро.

**ШАБ-РЎЗ** [ф-т], шабу рўз Кеча-

-кундуз, кеча ва кундуз, кун-тун. *Чалпақ бирла ош ташиб, ўтса шабу рўзлари.* Ҳамза.

**ШАВЧИРОҚ** [ф-т] 1 Қоронғиликда нур сочиб турадиган афсонавий тош. | Чақнаб турадиган, рангдор, ярқирама тош.

2 *айн.* шамчиरोқ. *Қош-қовоқ ораси тўрт йил сақланган Умид шабчироғи порлади ғоят.* Ғ. Ғулум.

**ШАВЧОР** [ф-т] қ. х. Чорва молларини тунда ўтлатиш.

**ШАВАҚИ** *диал.* Шовқин-сурон кўтарувчи, бақироқ; шанғи. *Шавақи одам.*

**ШАВВОЛ** [а] Ҳижрий йил ҳисобининг ўнинчи ойи. *Ислоҳ дини талабига кўра, худонинг бандаси бир ой рўза тутган, рамазон ойидан сўнги шаввол ойининг уч кунни рўза ҳайити қилиши.. лозим.* Т. Сиддиқов, Рўза ва қурбон ҳайити ҳақида.

**ШАВКАТ** [а] 1 Эл-халқ ичида қозонилган катта обрў, ҳурмат; шон-шухрат, доврў. *Бу кўчат бөгимнинг кўрки, гўрури, Шонли насларнинг шавкати каби.* Ғайратий.— *Раҳмон-қул шавкати сув устидаги кўпик экан-да? Кўришерт қишлоқларнинг битта полкига бардош беролмади-ку, деди Бек.* Ҳ. Ғулум, Машъал.

2 Салобат, виқор; савлат. *Саройинг ўрталлиғида.. адрес кўрпачилар тўшалган шийшон остида.. шавкат билан нар ёстиққа суяниб карвонбоши ўтирмоқда эди.* Айний, Қуллар.

3 Дабдаба, таътана, ҳашамат. *Базм бутун шавкати, бутун аътана ва обати.. билан давом этади.* Ойбек, Қўлуғ қон.

4 Шавкат (*эркаклар исми*).

**ШАВКАТЛИ** 1 Катта ҳурмат ва обрўга эга бўлган; донг таратган; шонли, шухратли. *Шавкатли Совет армияси.* «Шавкатли меҳнат учун» медали. — *Ҳамиша партия йўлбўшчимиз, ғамхўримиз бўйди, Жаҳонда донг чиқардик, берди зўр шавкатли ном иқбол.* Ҳабивий.

2 Дабдабали, ҳашаматли. *Шавкатли қаср.*

**ШАВЛА** [ф-т] Гўшт, сабзи-пиёз ва гуруч солиб пишириладиган бўтқасимон овқат. *Шавла пиширмоқ. Шавлани емоқ. Арзямайди ғаласи, куйдиради шавласи.* Мақол.

◆ Қулоғининг тағида шавла қайнатмоқ шاپалоқ билан урмоқ, тарсаки солмоқ. *Қўшни звено бошлиғида ўғлингни тўтиб берсам, қулоғи тағида шавла қайнатиб кўярди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШАВК** [а] 1 Бирор нарсага ҳаддан ташқари берилиш, қизиқиш, зўр ҳавас, иштиёқ; ўта ишқивозлик, ишқ. *Музыкага бўлган шавк. Шавк билан ишламоқ.* — *Бу ғазалда.. ёш йиғитнинг ҳисси, шавқи наизъати янгради.* Ойбек, Навоий. *Бўстонинг шавқида бўлбул ғазалхонинг бўлиб, Жўш урай, қайнай, танимда тоза қоним борича.* Ҳабивий. | Бирор нарсага қизиқиш туфайли ҳосил бўлган кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоат.

*Бу тил-адабиёт муаллими таълим ва тарбия ишини севар, юражид тобора кучайган бир шавк билан мактабда ишлар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб.. кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Мамнунлик, шодлик ҳисси; хузур-халоват, роҳат; завқ. *Шавққа тўлиб куйламоқ.* — [Ғули:] *Ғазалким, сўзлагай ишқдин сафодин. Ғазалдин бу каби шавқ олмаган ким? Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**ШАВҚ-ЗАВҚ** Рухий кўтаринкилик; шавқ ва завқ. *Шавқ-завқ билан ишламоқ.* — *Раис шавқ-завқ билан ўйнаб даврани бир неча марта кезиб чиққан пилдираб бир айландио, беҳосдан Ўрмонжонга ташланди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШАВҚЛАНМОҚ** Бирор нарсага ғоят мамнунлик ҳисси билан берилмоқ, рухий кўтаринкилик билан қизиқмоқ; завқланмоқ. *Шавқланиб куйламоқ.* — *Колхоз отхонасидаги ушун еророс эсингдами? — сўради Али тажанг шавқланиб.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ШАВҚЛАНТИРИМОҚ** шавқланмоқ *фл. орт. н.* Раққоса маҳорати томошабинларни шавқлантирди. — *Сизнинг комил ишончингиз.. совет элини.. фидокорона меҳнатга шавқлантириб келди.* «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 46.

**ШАВҚЛИ** 1 Бирор нарсага ғоят берилиб ёки қизиқиб кетадиган; серзавқ. *Шавқли одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, рухий кўтаринкилик, шодлик, роҳат, бахш этадиган; жушқин; жозибали; завқли. *Яшил уватларда шавқли қўшиқлар, Шавқли ҳангалар бўлар кўп ишнам.* Ғ. Ғулум. *Сувларининг шавқли мавжидай.* Юргимда ортар севинчим. Ҳ. Салоҳ.

**ШАВҚСИЗ** 1 Бирор нарсага юракдан берилиб, қизиқиб кетмайдиган; бирор нарсдан завқлана олмайдиган; лўқайд. *Шавқсиз одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, хузур бағишламайдиган; шавқсиз; руҳсиз, тушкун. *Шавқсиз музыка. Шавқсиз ҳикоя.*

**ШАВҲАР** [ф-т] *эск.* Хотиннинг эри; эр, рафиқ. *Инчунин дшал хотиннинг.. шавҳари жавобгардир.* И. Акрам, Адолат.

**ШАГРЕНЬ** [р<фр] 1 Қўй ва эчки териларидан тайёрланган юмшоқ тери. *Шагрendan тикилган маҳси.*

2 махс. Муқовага ишлатиладиган қорғоз ёки қолёнкор.

**ШАДДОД** [а] 1 Шафқатсиз, золим. *Болалар бахтининг юлдузларида, Заҳарлар сочмоқчи қайси жаллодлар? Дунёнинг равшанлик кундузларида, Зулмат қўймоқчиси бебош шаддодлар? Шайхзода. Иброҳим ака, гапингиз тўғрику-я, лексин Исфандиёр тўрани шаддод дейишави.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Ўз фикрини ўтказишга тиришадиган; уjar, чўрткесар; ўз фикрини қатъийлик билан, дадил айтадиган,

тортинмас (асосан хотин-қизлар ҳақида). *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора зебога бошлиқ бўлди.* С. Ахмад, Уфқ. *Майнанинг урдабуронлиги [уни].. ҳайратда қолдирди: «Шаддод қиз. Оламга татийди».* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мунча ҳам шаддод экансиз, синглим! И. Султонов, Бургутнинг парвози.*

**ШАДДОДЛИК** шаддод с. белги оти. — *Бунга мен жавоб бераман,— деди у [Лобархон] шаддодлик билан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ШАЖАРА** [а] Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан санаб кўрсатувчи рўйхат, тарих; силсила. *Сомонийлар шажарасининг сўнги буюғи бўлган подшо Нух бини Мансур касалманд одам эди.* М. Осим, Китобга хилос.

**ШАЙ** I Тайёр холга келтирилган; тайёр, тахт. *Ҳамма нарса шай. Доим шай бўлиб турмоқ. Қуролни шай қилиб қўймоқ.* — *Барот полон билан Гуломжон ҳам Залом янги шай бўлиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Асбоб-ускуна шай бўлса, материаллар тахт бўлса, калавчи нанд емайди.* М. Жўра, Кўшдан нур эмганлар.

**ШАЙ** II [а] кам қўл. Нарса, предмет. *У [Раҳмонали] ҳикоя қилади: «Муҳаббат бир бало шайдир, гирифторм бўлмаган билмас».* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

**ШАЙБА** [р<нем] I тех. Гайка остига қўйиладиган ясси металл ҳалқа.

2 спорт. Хоккей ўйинида қўлланиладиган кулчасимон кичкина оғир резина. *Дарвозага шайба киритмоқ. Шайбани урмоқ. Шайбани тўсиб қолмоқ.*

**ШАЙДО** [ф-т] I Бирор кимсани ғоят даражада севиб қолган, мафун бўлган, унинг учун ҳамма нарсадан кечинга тайёр; жўшқин ошиқ. *Шайдо бўлмоқ. Шайдо қилмоқ.* — *Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Мени дуо қилверасанлар,— деди Суннат. Шухрат, Шинелли йиллар.— Шайдоларингиз иккита бўлиб қолибдими?— деди яна кимдир. Яна кулги кўтарилди. М. Қориев, Ойдин кечалар. Баҳорда очилган чаманда гулдир, Гулга шайдо бўлган тўти, булбулдир. «Равшан». Гул юзи уни [Гуломжонни] шайдо қилган ўша дамда, хирмонда Ҳаётнинг Мадаминхўжа қизи эканлигини билибмиди? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Бирор нарсага ғоят даражада қизиқадиган, ашаддий ишқивоз. *Футбол шайдоси. Музика шайдоси.* — *Фарёд эмас, қўшиқ янгарар бу жангда, Шул сабаб мен, унга бўлганман шайдо! Уйғун.*

**ШАЙДОЙИ** [ф-т] I айн. шайдо. *Бир кўришдаёқ у қизга шайдойи бўлди. Хоккей шайдойилари.*

2 Бирор кимсани ғоят даражада севиш ёки бирор нарсага ниҳоятда

берилиш туфайли ақл-хушини йўқотган; мажнуннамо, девона. *Мен илашкан қизларнинг кўпи.. кўзига сурма, қошига ўсма қўймаса юролмайдиган шайдойи бўлиб чиқади.* «Муштум», 1929, № 4.

**ШАЙДОЙИЛИК** шайдойи с. белги оти.

**ШАЙДОЛИК** шайдо с. белги оти. *Менинг шайдолигим бу нозпарвар дилрабодандир. Ҳабибий. Шайдолигимни дилбар, инкор қилмасангчи. Шўхий. Билман баҳорнинг эрка шамолин, Севаман тупроқнинг уйғонши чоғин, Бўсалар фаслини, ёрнинг жамолин.. Ҳай-ҳай, шайдолигим тутмасин тагин! Шайхзода.*

**ШАЙН** [а] Икки учига тарози паллалари осиб қўйиладиган ҳамда тортиладиган нарса оғирлигини аниқлаш учун хизмат қиладиган темир ёки ёғоч мослама. *Холмат ақанинг қораси кўринди. У елкасида тарозининг шайини, лангарни, нималариндир кўтариб, хирмон томон жадал келмоқда.* И. Раҳим, Куз лалхалари. *Тарозибон бўлмаган вақтларда шайин бошига ўтиб, юк тортиш ҳам [Ҳошимнинг] қўлидан келади.* Айний, Эсдалиқлар.

**ШАЙҚА** [р] Босқинчилик, ёвузлик қилиш ниятида тил бириктириб иш кўрадиган кишилар тўдаси. *Жиноятчилар шайқаси.* — *Руҳонийлар, бой ва савдогарлар ниқоб ичидаги душман элементлар билан баҳамжиҳатликда иш кўриб, қуролли шайқалар тузишга киришган эдилар.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ШАЙЛАМОҚ** Тайёр ҳолатга келтирмоқ, тайёр қилиб қўймоқ, тахт қилмоқ. *[От-араваларни шайламоқ. — Тракторини шайлаб қўйганман. Катор ораларида қўшиқ айтиб ишламасам армондан чиқмайман. Ф. Нуруллаев, Бўз йигит: Одамларни агрохимия ва механизаторлик курсларида ўқитяпмиз.., техникани кўкламга шайлаяпмиз. Х. Қўзибоев, Қишлоғимиз шухрати. Халқни.. курашга шайлаш керак. Ойбек. О. в. шабадалар. Ўзини шайламоқ бирор иш-харакатни бошлашга тайёр бўлиб турмоқ. Сизлар ҳам белни маҳкам бойланлар, ўзларингни шайланлар. «Равшан».*

**ШАЙЛАНИШМОҚ** шайланмоқ фл. бирг. н.

**ШАЙЛАНМОҚ** шайламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Улар майка ва тўсида, лекин жангчилардай шайланган: баъзисининг ўрқлида белкурак, баъзисида теша, ўроқ, хаскаси. Х. Назир, Сўнамас чакмоқлар. Дарвоза тагида шайланиб турган мўғул қўшини.. тўғонни бузиб кетган сувдек, тез суръат билан шаҳар ичига оқиб кира бошлади.* М. Осим, Утроп.

**ШАЙТАНАТ** [а] I дин. Шайтонлар.] Шайтонлар макони.

2 кўчма Маккорлар, фирибгарлар тўдаси, разиллар мажмуи. *Бу байроқ остида бутун одамлар Шайтанат тахтини ерга қилди жо. Ф. Гулом.*

3 Айёрлик, маккорлик, Фирибгарлик, шайтонлик. *Анвар ўзини табриқ қилувчи уламо ва ашрафлар юзидан очик равишда риё, шайтанат ва тама ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ШАЙТОН** I [а] I дин. Одамларни дин йўлидан оздирувчи, жиноятга, разолатга бошловчи афсонавий махлуқ; иблис.— *Қимсан?.. Одаммисан, ҳайвон? Ажинамисан, шайтон? Тезроқ гапир,— деди бошқа бир банди шовқинлаб. Айний, Қуллар. Ибодат қилмаслик умуман гуноҳ эмас, лекин ибодат қилмаган киши шайтоннинг ғайбати кириб қилмагани учун гуноҳ ҳисобланади.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. | *Иблис, лабнати.— Оббо, қизиталоқ. Шайтоннинг домласи экан-а! Зақунчиларнинг кўпи шунақа бўлади,— деди Тантубойвачча папиросини тортиб. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўчма Айёр, қув одам; алдамчи. **Шайтонга дарс берадиган** жуда ҳам айёр, устомон одам ҳақида.

3 кўчма Шўх, ўйноқи (асосан болалар ҳақида). *Қиз бола шайтон бўлади-да, тавба, бўй-баста чўзилиб, ростдан ҳам, суқсурдек қиз бўлибди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. | — *Ҳа, шайтон қиз,— деди Уринбой,— шу ерда ҳам қўймайсан-а? Ойдин, Келин ўғил туғибди. | сўк. Ўзини яқин олиб енгил койини иффодалайди. Отабек Қумушининг сўз ўйиница ажабланар ва, ҳой шайтон, деандек унга қарар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Ноумид шайтон** инсон умид билан, яхши ният билан яшайди, умидсизланиш ярамайди, деган маънода қўлланилган ибора. *[Навоий:] Ноумид шайтон. Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Шайтон арава с. т. эск. айн. велосипед. Йиртиқ-ямоқ кийим билан ёсган ўғиллари шайтон аравада ўтиб, атроф маҳалла болаларининг кўзларини ўйнатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шайтони зўр (ёки кучли) ўзини тутолмасдан бўлар-бўлмасга тез кулиб юбораверадиган, ўта шўх. Яна ким билсин, бу қизларни! Уларнинг шайтони зўр бўлади, дейишади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шайтони кўзиди жини тутди, жини кўзиди. [Холида] қўл чўзса етеудай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони қўзиб: «Этагидан торти», деди Йўлдошга. С. Анорбоев, Мехр. Шайтонга хай бермоқ бирор қалтис хатти-харакатдан ўзини тиймоқ, ўзини босмоқ. [Ҳайиджон:] Айбмас, хўп андиша қилгин, шайтонга хай бергин, бу кунлар ҳам ўтар. Ҳамза, Паранжи снрлар.*

**ШАЙТОН** II [а] с. т. Дурадгорлик ва бинокорлик ишларида: сатҳнинг текислигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб; ватерпас. *Горизонт текислигини шайтон ёрдами билан билиш мумкин. «Астрономия».*

**ШАЙТОНБАЧЧА** [a+ф-т] сўк. Шайтоннинг боласи, кичкина шайтон.— *Уз, бир фалокатдан қутулдим, ҳай, шайтонбачча, кеча берган пулинг қанча эди? — деди Ҳожи бобо Шум болага. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

**ШАЙТОННИЙ** [а] Айёр, фирибгарларга хос. [Ҳасанали] Отабекни ечинтирар экан ризосиз бир оҳангда деди: — *Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ШАЙТОНКОВУШ** 1 Эрта баҳорда ўсиб чиқадиган кўп йиллик бошоқли ўт.

2 Шундай ўтдан кавуш тахлитиди тўқиб ясаладиган болалар ўйинчоғи.

**ШАЙТОНКОСА** Итузумлар оиласига мансуб икки йиллик захарли ўт, мингдевонанинг бир хили, қора мингдевона.

**ШАЙТОНЛАМОҚ** Тутқаноқ тутмоқ, тутқаноғи тутиб қолмоқ. *Бола шайтонлаб қолди. — Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд нафасингиздан шифо топса. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ШАЙТОНЛАНМОҚ** айн. шайтонламоқ.

**ШАЙТОНЛИК** шайтон 1 с. мавҳ. от. Шайтонлик қилмоқ ҳийла ишлатмоқ, айёрлик қилмоқ.

**ШАЙТОНТЕРИ** с. т. Қалин, пишиқ, ип газлама. *Чидаганга чиқарган дейсизми, бурга чит дейсизми, роҳатбадан дейсизми, .. шайтонтери дейсизми, .. кеп қолинг, харидор!* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ШАЙХ** [а] 1 Олий мусулмон рухонийлари вакили; фақих. *Мирқарим.. дарров ўз қиёфасини ўзгартириб олди: бошига катта салла ўради, зенига кимхоб тўн кийди ва вақтинча авлиё шайхга айланди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Мозор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, худо йўлига аталган назр-ниёзларни қабул қилувчи рухоний. *Икки ариқнинг атрофига чойхоналар очиларди.. қиморбозлик бўларди, мазорлардан шайх ва қаландарлар келарди. И. Раҳим, Ихлос.*

**ШАЙХЛИК** шайх 1 с. мавҳ. от. — *Шайхлик муборак, — деди Нодиров, Бобомирзага ҳазил қилиб. И. Раҳим, Тақдир. Мирқарим Тўқонов.. Шохимардонга қочди— амакисининг у ерда шайхлик қилишини билар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ШАЙХУЛИСЛОМ** [а] дин. Мусулмон рухонийлари бошиғининг унвони ҳамда шу унвонга эга киши, бош рухоний. *Хусайн Бойқаро.. Шайхулисломдан шариятга доир бир масалани сўради. Ойбек, Навоий.*

**ШАҚ** 1 [а] Шубҳа, гумон.— *Мен билмадим, — деди [уста] ниҳоят, — шак йўқ, оғир гап. О. Ёқубов, Ларза. Бу андишанинг ҳақлигида шак йўқ, Анвар!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **ШАҚ** келтирмоқ бирон нарсадан шуб-

ҳаланмоқ, гумонсирамоқ; бирон нарсага ишонмаслик. *Илоҳий қудратга шак келтирмоқ. — Шариятга шак келтирган бу аблаҳни зиндонга солмоқ зарур, — деди [қозикалон] катта салласини силжитиб. Ж. Шарипов, Хо-разм.*

**ШАҚ** II [а] Рамазон (рўза) ойи киришидан олдинги кун; рўза арафаси. *Шак кун. — Бир ёқдан рўза ойи ҳам юракка ғулғула солиб яқинлашмоқда эди. Пашмак Махдум, сўфи, яна бир неча обрўли одамларни қақчириб, уларни шак кун палос билан сийлаб, рўза кунни уларга оғиз очтириш.. керак!* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ШАҚАР** [ф-т <қадимги ҳинд] 1 Лавлаги ёки шақарқамиш ўсимлигидан саноат йўли билан олинadиган оқсарғиш рангли қумсимон ширинлик. *Шақар сепилган қатлама. Ширин сўз шақардан ширин. Мақол. — Ҳолва ясамоққа шақар керакдир. Безак ишламоққа зарар керакдир. Ё. Мирза.*

2 кўчма Ширин, мазали, тотли; *Шақар қовун.*

3 кўчма Кишига ёқадиган, ёқимли. *Тили шақар қиз. — Тополмайин юрур ёрнинг ўзини, Тўтиё қилади шақар сўзини. «Ширин билан Шақар».*

4 Шақар (хотин-қизлар исми).

◆ **Шақар касали** с. т. Диабет. **Шақари** оғзингизда савдо муносабатида: сотувчи молнинг баҳосини айтиб, харидорга хитобан «сўранг, сизга қанча бўлса бўлади» мазмунида айтиладиган ибора. **Шақар қоп** майин каноп матодан тикилган кичикроқ қоп, линча. [Қудратнинг] бошида моғор, эски дўппи, олдида шақар қопдан тикилган фартук,.. бадани қўлидаги темирдай мустаҳкам. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тил учиди шақар бермоқ** 1) тилидан сўрдирмоқ. *Кетма, ёрим, кетма, жоним берайин, Тилимнинг учиди шақар берайин. «Кўшиқлар»;* 2) салб. ширин сўз билан ийдирмоқ; тилёғламалик қилиб аврамқоқ, алдамоқ. *Соҳиб қори, ўз тавбири билан айтганда, илонга ҳам тилининг учиди шақар берадиган киши. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ШАҚАРАК** I [ф-т] Қовун турларидан бири.

**ШАҚАРАК** II [ф-т] Ўсимлик бити; шира.

**ШАҚАРАНГУР** [ф-т] Узумнинг пўсти юпқа, нимранг ва ширин бир нави.

**ШАҚАРГУФТОР** [ф-т] Гапи-сўзи ёқимли; тили ширин, ширинсўз. *Садоқат бирла ҳар меҳнат учун тайёрлардансиз, Билимдон учун ширин сўзли шақаргуфторлардансиз. Ҳабибий.*

**ШАҚАРГУФТОРЛИК** Кўнгли очадиган, ширин суҳбат; гурунг. *Шақаргуфторлик қилмоқ. — Хушчақчақлик, одамшавандлик, шақаргуфторлик, соғлом ҳазил кишини яшартиради. В. Мажидов, Ҳамиша саломат бўлай десангиз.*

**ШАҚАРЛАМОҚ** Шақар аралаштирмоқ, шақар сепмоқ; шақар билан қо-

риштирмоқ. *Кулупнайни шақарламоқ. Варақи сомани шақарламоқ. Лимонни кесиб шақарлаб қўймоқ.*

**ШАҚАРЛАНМОҚ** шақарламоқ фл. мажҳ. н. *Шақарланган ҳўл мева. Шақарланган сузма.*

**ШАҚАРЛИ** I Таркибида шақар бўлган. *Шақарли моддалар. Шақарли ўсимликлар.*

2 Шақар қўшилган, шақар сепилган. *Шақарли чой.*

**ШАҚАРНАЙ** [ф-т] айн. шақарқамиш. **ШАҚАРОБ** [ф-т] диал. Аччиқ-чучук. *Шақароба туз сепмоқ. — Қелин, помидор олиб чиқинг, бекор ўтирмай шақароб қила тураман, — деди уста. Т. Алимов, Одамсиз уйлар.*

◆ **Шақароб** соя дарахт барглари оралаб тушган парча-парча соя. *Толлардан тўкилган шақароб соя Дурра ҳам бўлолмас уйлар томига. Х. Шарипов. Шақароб хуррак* бир зайлда давом этмай, ўқтин-ўқтин қайталаниб турадиган хуррак. *Хонадан чала уйқуға толган одамнинг шақароб хурраги эшитилади. С. Азимов, Камалак. Шақароб қилиб сув сепмоқ* челақдаги сувни қўли билан сачратиб сепмоқ. *Жиккакина самоварчи, кечки чойхўрларни кутиб олиш учун, пақирдаги сувни аягандай, чимдим-чимдим шақароб қилиб сўрлар ёнига сепмоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ШАҚАРПАЗ** [ф-т] Пашмак, ҳолва, обаки, новот каби миллий ширинликлар пиширувчи мутахассис; қандолатчи. *Бобомурод шақарпаз — қўли гул одам. Жойинг жаннатда бўлгур, бултур қазо қилди, — почта қўл очиб, шақарпазнинг арвоҳига фотиҳа ўқиди. С. Анорбоев, Мехр.*

**ШАҚАРПАЗЛИК** I шақарпаз с. касб оти.

2 Пашмак, новот каби маҳаллий ширинликлар тайёрланадиган бино, пех. *Мен шақарпазликда ишлайман.* Шундай ширинликлар сотиладиган жой, раста.

**ШАҚАРПАЛАК** [ф-т] Сирти сертўр, ўзи серэт ширин оқ қовун турларидан бири. *Маҳмуд яқиндаги полздан битта шақарпалак узиб чиқиб, ерга қўйди-да, Ширмонхоннинг етиб келишини кутиб турди. С. Зуннунова, Олов. || Шақарпалак қовунлар, зилол бодринлар қуёш нурунинг, тупроқнинг ажойиб неъматлари эмасми! Э. Охунова, Қуёш — ошпаз.*

**ШАҚАРПОЯ** [ф-т] Шақарқамиш ўсимлигининг пояси; шақарқамиш.

**ШАҚАРҚАМИШ** Тропик, иссиқ иқлимда ўсадиган, поясидан шақар олинadиган ўсимлик.

**ШАҚКОК** [а] I Ҳар нарсага шубҳа, ишончсизлик билан қарайдиган, ишонмай, иккиланиб турадиган одам. *Мавсумда 250—300 тонна пахта териб, шақкоқнинг кўзига кўрсатган қаҳрамонлар битта-иккита эмас. «К. Ўзбекистон», 1961, 17 октябрь. || Э. шунақа жойда Шуннақа савол... Шақкоқ-да, кўп шақкоқ Ҳозирги ёшлар! М. Али.*

2 Диний ақидаларга шубҳа билан қарайдиган, шак келтирадиган киши. *Шаккок одам.*

**ШАККОКЛИК** шаккок с. мавҳ. от.— *Сизни шаккокликда айблаш учун [бекларда] ҳеч асос борми? — сўради Назоий қўлиб Султонмуроддан.* Ойбек, Навоий. **Шаккоклик қилмоқ** маълум ақида ёки қарашларга ишончисизлик билан қарамоқ, шак келтирмоқ.

**ШАКЛ** [а] 1 Бирор предметнинг ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси, формаси. *Учбурчак шаклидаги жисм. Айиқ шаклидаги қоя. Шаклини ўзгартирмоқ. Бирор шаклга киритмоқ. — Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган.* Ойбек, Куёш қораймас. *Дўкондор уларга қалин китоб шаклида бир нимани тутқазди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 мат. Маълум формадаги нарса, фигура. *Геометрик шакллар.*

3 физ. Жисмнинг ҳолати, кўриниши. *Муз сувнинг қаттиқ шаклидир.*

4 кўчма Нарсанинг, ички мазмунидан қатъий назар, ташқи кўриниши, ифодаланishi. *Бадиий асарнинг шакли ҳам, мазмуни ҳам коммунистик жамият қурувчисини тарбиялашга хизмат қилиши лозим.* Уйғун, Навбахор.

5 кўчма Бирор нарсани амалга ошириш йўсини; усул. *Сен билан иккимиз икки шаклда ўйлаймиз. — Пахта фронтдаги ижодий меҳнат хилма-хил шакллар касб этипти.* Ҳ. Ғулом, Ишонч.

**ШАКЛАН** [а] рвш Воқе бўлиш, амалга ошиш ёки ифодаланishi усулига, шаклига кўра.

**ШАКЛАНМОҚ** зск. Шубҳа билан қарамоқ; шубҳаланмоқ. *У бу ҳолдан шакланди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШАКЛДОР** [а+ф-т] 1 айн. шаклли. 2 Мураккаб шаклга эга бўлган, жимжимдор, серҳашам. *Шаклдор нақш. Шаклдор пейтоқ.*

**ШАКЛИ** кам қўлл. айн. шубҳали. **ШАКЛИҚ** дин. Шак кун марҳумнинг арвоҳларига бағишлаб аёллар учун ўтказиладиган кичик маърака. *Чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўйиб келишгагина етди. Хали бу ёқда уч, еттиси, йигирмиси, фотиҳахонлиги, шаклиги, ифторлиги, икки ҳайити.. ва ҳоказолар бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ШАКЛЛАНМОҚ** 1 Маълум бир шаклга, формага кирмоқ, бирор шакл, тус олмақ. *Тандирда ёғлиқ хамир аста вижирлаб бўртиб, чекич ўринлари дарҳол шакланди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 кўчма Ривожланиб егилмоқ; аниқ бир мазмун ёки йўналиш касб этмоқ. *Болада дид йиллар давомида шаклланди, ривожланиди. — Бу ердаги... одамларнинг қиёфаси ўзгарди, янги ижтимоий муносабатлар шаклланипти.* Т. Содқов, Жамоатчи — фахрли ном. *Мактабда ўқувчи фан асосларини*

*ўрганади, унинг дунёқараши шаклланиди.* А. Аҳмедова, Жамоатчилик — катта куч.

**ШАКЛАНТИРМОҚ** шаклланмоқ фл. орт. н. *Янги одам — коммунизм бинокорларини шакллантириш ва тарбиялашда адабиёт билан санъатнинг роли катта.* «С. Ўзбекистони», 1966, 28 октябрь.

**ШАКЛЛИ** Муайян шаклга, кўринишга эга бўлган. *Унсин туморча шаклли ҳовлиса намат ёзиб, курсида ўтириб маҳси тикади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қирқма шаҳмат усулида ишлаш учун.. текис ва тўғри шаклли.. участкалар ажратилсин!* «Қ. Ўзбекистони», 1946, № 49.

**ШАКЛСИЗ** 1 Муайян шакл, кўринишга эга бўлмаган. *Шаклсиз модда.*

2 лингв. Сўзларни ўзаро бириктирувчи грамматик белгилари бўлмаган; аморф. *Шаклсиз тиллар.*

**ШАКЛ-ШАМОЙИЛ** [а] Ташқи кўриниш, қиёфа; важоҳат. *Шакл-шамойили девни хуркитадиган.. бир маҳлуқни шонли бир кунининг армуғони қилиб белгилашга каминангизнинг у қадар кўнгли бўлмайди.* К. Алиев, Қўланса ҳадя.

**ШАКСИЗ** рвш Шубҳасиз, аниқ; муқаррар равишда. *План шаксиз баъжарилади. — Ҳар ким келса бундан шод бўлиб кетар, Сил бўлса ўпкасин яраси битар, Қари келиб кўрса шаксиз ёш этар, Ёш йигитдек даврон сурғали келдим.* Эргаш шоир.

**ШАК-ШУБҲА** [а] Шубҳа; шак ва шубҳа. *Шак-шубҳа билан қарамоқ.*

— *У ҳолда бизнинг.. ғалаба қозонишимизга шак-шубҳа қолмасди!* Англадиларми, бойвачча! Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ШАК-ШУБҲАСИЗ** Жуда аниқ, қатъий; маълум. *Унинг ғолиб чиқиши шак-шубҳасиз эди. — Билар эдим, муқаддас жангга Шак-шубҳасиз боришинг лозим.* Уйғун.

**ШАЛ** [а] айн. шол II.

**ШАЛАББО** Сувда ивиб кетган, жиққа хўл; шилта. *[Сувонжон билан Ойсулв] ўзларини панага олгунча бўлмай, шилтаю шалаббо бўлишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ана у — бир вақтлар Назмихон кўз ёшлари билан рўйолчасини шалаббо қилиб, фронтга кузатган севгилиси Мақсуд.* Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси. *Ёлғирда шалаббо бўлган деҳқон болалари сакраб, ўйинга тушишарди.* Мирмуҳсин, Созанда.

**ШАЛАЙИМ** Бирор ҳаракат қилишга кучи етмайдиган, ўрнидан туролмайдиган; ҳолсиз, кучсиз, мажолсиз; шалвираган. *Нонвой ерга тушганидан кейин шалайим бўлиб, ўрнидан туролмай қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. *[Низомжон] икки тиззасида дармон қолмай, оғир калтаклардан шалайим бўлиб йиқилиб, ўрнидан турганга ўхшарди.* С. Ахмад, Уфқ [Қизилқумдаги] ғўзалар бағи дим ҳавода шалайим бўлиб.. шалвираб ётарди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

**ШАЛАЙИМЛАНМОҚ** Шалайим бўлмоқ, ҳолсизланмоқ, кучсизланмоқ, шалвирамоқ.

**ШАЛВАЙИШМОҚ** шалваймоқ фл. бирг. н. *Қизлар тарвузи қўлатиғидан тушган одамдай, шалвайишиб чиқиб кетишди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

**ШАЛВАЙМОҚ** Ҳолдан тоймоқ, ҳолсизланмоқ, бўшашмоқ. *Қудрат почтадан негадир шалвайиб келётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шафтоли қоқидек бурушиб, эски маҳсидек шалвайиб қолибмиз-у, бизга кам қўйипти, болам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШАЛВАР** [ф-т] с. т. Чолвор. *Почаси бўғиқ, кўк сатин шалвари озода ва ўзига ярашган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШАЛВИЛЛАМОҚ** айн. шалвирамоқ, **ШАЛВИРАМОҚ** 1 Осилиб турмоқ, бўшашиб, солқи бўлиб қолмоқ. *Чолнинг.. кўзлари қатъиёра тортаган, қовоқлари шалвираб осилиб тушган эди.*

3. *Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. [Машинадан] тушиб қарадим. — Баллон латтадек шалвираб қолибди, — деди Ботир.* У. Ҳошимов, Чўл хавоси. *Бутун юзи қулоқларигача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди.* М. Исмоилй, Фарғона т. о.

2 кўчма *Мажолсизланмоқ, бўшашмоқ, ланж бўлмоқ. Иссиқдан шалвираб кетаялман. — У.., қоронғи кечада, ёт элларда йўлдан адашиб қайёққа боришини билмай, умидсизликка тушган кишидай шалвиради.* А. Қаҳор, Сароб. | *Хафсаласи пир бўлмоқ, бўшашиб қолмоқ. Мирсалим турган ерида шалвираб қола берди. Унинг қимирлашга модори йўқ эди.* Шухрат, Олтин зангламас.

3 кўчма *Лапашанглик қилмоқ; сусткашлик қилмоқ, вмилламоқ, бўшашмоқ. — Баракалла, ҳали ҳам шалвираб юрибсанми? — деди таъна қилиб Тошпўлат Ўтбосарга.* Ғайратий, Эпчил кўйат.

**ШАЛВИРАТМОҚ** шалвирамоқ I фл. орт. н. *Ҳатто ҳалигача шабада билан ишқ ўйнамоқда бўлган олча кўчатигача япроқларини шалвирапти, уйқуга кетган.* Ғ. Ғулом, Соялар. | *Қимирлатмоқ, тебратмоқ. Пашишалар жабридан аламазада бўлган шак қулғини бир-бирига уриб шалвирапти, хира пашишаларни қўримоққа киришди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ШАЛДИРАМА** I Эгилганда, букилганда шалдирайдиган; янги. *Шоир бир тахта шалдирама қоғоз олиб, очик, қалин китоб устига қўйди.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Уртада пул хирмондай уюлган. Оқподшонинг сурати тушган нуқул шалдирама қоғозлар-а... Қарасам, кўзимдан олов чиқиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Куруқ, шалдироқ. Шалдирама ёнғоқлар.*

2 Шалдираб оқадиган. *Тикка тоғ дуч келса ўтиб, шалдирама сой тўғри келганда кечиб.. ўз сурувини салобатли*



саркардадай вазминлик билан эргаштириб кетаверадиган бу кўк серка.. ўзгариб қолган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАЛДИРАМОҚ** 1 Бир-бирига ёки бирор нарсага урилиб, шалдирама овоз чиқармоқ. Боланинг қўйнидан ёнғоқлар шалдираб ерга тўқдилар. ■ Муҳаббат лофин ургай шалдираб бир халта ёнғоқдай, Вафо йўқ қалбида, лекин оғизда меҳрибонман дёр. «Муштум», 1962, № 5.

2 Тўсиқларга урилиб ёки пастга шиддат билан қўйлиб шалдир-шулдир овоз чиқармоқ. Тоғ жилгаси шалдираб оқмоқда.

**ШАЛДИРАТМОҚ** шалдирамоқ фл. орт. н. Тупроққа қоршиб ётган катта пахмоқ кучук занжирини шалдирашиб ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. Оҳ, наҳотки муҳаббат ожиз бўлса, қамийдай шалдирашиб, шамол елган томонга оға берса. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ШАЛДИРОҚ** айн. шалдирама. Асрлар гувоҳи, қўлзма ичра Утмиш ҳодисалар сирли, бепойн. Шалдироқ ва сарғиш қоғозлар узра Кезар нигоҳларинг, қадалган мужгон. Х. Расул. Шалдироқ қоғозгасмас, кўк япроқларга Кўз ёшларидай тўқар шоир шеърини. С. Акбарий. Унга кун, тун баробар, Жар-қирғоқ ота уйи. Унга найдек туюлар, Сувнинг шалдироқ куйи. К. Мухаммадий.

**ШАЛДИР-ШУЛДИР** 1 тақл. с. Сув тез оқанда ҳосил бўладиган овоз ҳақида. Шалдир-шулдир сув оқар, Қўшиғи менга ёқар. Ш. Саъдулла.

2 кўчма Сир сақламайдиган, бор гапни тўкиб соладиган; дали-гули. Шалдир-шулдир йигит. ■ Тожимат ака.. кўнглида кири йўқ, шалдир-шулдир одам эди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳақиқатан ҳам бу шалдир-шулдир кекса киши ҳормас-толмаслиги билан барчага ибрат кўрсата бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Гапинг тўғри, қизим. Сен бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир эдинг, опанг ҳам шўх, қақилдоққина эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШАЛДИР-ШУЛДИРЛИК** шалдир-шулдир 2 с. белги оти. У [Ҳамро Раҳимов] шалдир-шулдирлиги билан Моҳидилга маъқул тушди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ШАЛЛАҚИ** Шарм-хаёни билмайдиган, бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган, жанжалаш. Ҳанифахон.. шаллақи қайнананинг захрига бардош берди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Мен сизни ўғил бола деб юрсам, шаллақи хотиндан ҳам баттар экансиз. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАЛЛАҚИЛАРЧА** реш Шаллақиларга хос, шаллақиларга ўхшаб. Хадичахон ҳовлини бошига кўтариб, шаллақиларча сонига шопатиллаб, бақира бошлади. Н. Фозилов, Оқим.

**ШАЛЛАҚИЛИК** шаллақи с. маъв. от. Шаллақилик қилмоқ. ■ Пётр

Кузьмич жанжалнинг охирида шаллақилик йўлга ўтгани учун Шавкатийнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлган эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ШАЛОЛА** 1 Дарё, наҳрларда сувнинг юқоридан тик пастликка шиддат билан қўйлиб тушадиган жойи; шовва. Юқоридан, жарлик тубига отилувчи шалола шердай ўқиради. Х. Ғуллом, Ташкентликлар.

2 диал. Дарё, жилга сувларининг тошларга урилиб, шовуллаб оқадиган жойи. Бог, қўрғонлар орқада қолган, Оқсой бўйига чиқилади. Қулоқни битирувчи шалола бошланади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАЛОП** тақл. с. Бирор нарсанинг сув, лой каби суюқликка тўсатдан тушиб кетишидан ҳосил бўладиган товшу ҳақида. Шалоп этиб сувга йиқилмоқ. ■ — Уначлик эмас! — деди Элмурод ва кўлмак сувга оёғини шалоп этиб босиб олди. П. Туреун, Уқитувчи. [Қўйибой] ён бағирдаги буталарга илина-илина, умбалоқ ошиб бориб, кўлга шалоп этиб тушди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ШАЛОПЛАМОҚ** «Шалоп-шалоп» этган овоз чиқармоқ. Сувнинг шалоплаган овози эшитилди. ■ Сув қирғоққа шалоплаб урилиб, осилиб қолган новдаларни тортқилаб оқмоқда. С. Аҳмад, Уфқ.

**ШАЛОПЛАТМОҚ** шалопламоқ фл. орт. н. Шалоплашиб сув кечмоқ. ■ Қизлар ташлаган нон бурдаларига гуж бўлиб ёпишиб олган ҳовуздаги балқлар шарпа сезилиши билан сувни шалоплашиб ғойиб бўлади. Н. Юсупова, Богдаги суҳбат.

**ШАЛОП-ШАЛОП** шалоп с. тақр. Кран ғирчиллайди, кўтарилаётган бадъядан тақир-туқур тош, шалоп-шалоп қорчиша тушади. А. Мухтор, Туғлиш. Жувоннинг телогрейкаси жикқа ҳўл, шалоп-шалоп лой кечиб бораётган этигининг ичи сув. Ф. Хўжаев, Онадек меҳрибон.

**ШАЛОП-ШУЛУП** шалоп с. тақр. Икки бола Ширмонхонни кўришлари билан шалоп-шулуп қилиб ўзларини сувга отди. С. Зуннунова, Олов, Ҳаял ўтмай, оёғига катта калиш кийган биров шалоп-шулуп қилиб эшикка томон кела бошлади. У. Назаров, Одамлар.

**ШАЛОҚ** с. т. 1 Қисмлари эскириб, бўшашиб ишдан чиққан; бузуқ. Шалоқ арава. Шалоқ машина ■ Чироқни топди, уни ёқиб кичкина шалоқ хонтахта устига қўйди. Ойбек, Улуғ йўл. Шалоғи чиққан айн. шалоқ 1. Шалоғи чиққан этик. ■ — Редактор шалоғи чиқиб кетган эски «Москвич» ичи берадиган, мен каллаи саҳарлаб Жарқудуққа жўнайидиган бўлдим, — деди Учқун. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. | Кўп ишлатилиб титилиб қетган, кўп тутилган; эскирган. Шалоқ китоб.

2 кўчма Ҳолдан тойган, чарчаган;

эзилган. Аъзойи-баданим гўё биров калтаклаб ташлагандек шалоқ. «Муштум», 1959, № 17.

3 Ахлоқи бузуқ, безори. Шалоқ одам. Шалоқ хотин. ■ — Хафа бўлма, синглим, — юпатди мудира. — Унақа шалоқ эрнинг боридан йўғил С. Анорбоев, Меҳр. Утегеннинг кўзи унинг йўғон қўлларига тушди. «Шалоқ йигитга ўхшайди», — деб ўйлади у. Ж. Ташенов, Жангчи Утеген. | Ахлоқ доирасидан чиққан, ахлоқсиз; хаёсиз. Бир тўда одамлар бир даста акцияни чангаллаганларича у ёқ-бу ёққа чопишар, .. бир-бирларини шалоқ гаплар билан сўкишар, овозлари бўғилгунча бақиршарди. М. Рахмонов, Ҳаёт-мамот. **Оғзи шалоқ** уятли, беҳаё ибораларни тилга оладиган; тап тортмай сукинаверадиган. Унинг оғзи шунақа шалоқ, боди кириб, шоди чиқаверади. О. Хусанов, Тошга сув сепсанг.

**ШАЛОҚЛИК** шалоқ с. белги оти. Араванинг шалоқлиги. ■ — Мен бир неча йил аввал ота касбимнинг ҳа деганда жўғига тушиб оломай, анчагина шалоқликлар ҳам қилганман, — деди домла. Ф. Ғуллом, Шум бола.

**ШАЛП** тақл. с. 1 Юмшоқ, ҳўл нарсанинг ерга тушиб урилишидан ҳосил бўладиган овоз ҳақида. Тўп учиб кетиб, писиллаганича дами қўқди-да, ерга шалп этиб тушди. Х. Назир, Бир туп ғўза. Молхона томининг тарнови-дан катта қор парча эриб, шалп этиб ерга тушди. Х. Нуъмон, Фасллар.

2 айн. шалоп. Тош шалп этиб сувга тушди.

**ШАЛПАЙМОҚ** 1 Иссиқ ёки қаттиқ совуқдан сўлиб, шалвираб қолмоқ, сўлимоқ (ўснимлик ҳақида). Иссиқдан барглар шалпайиб қолди.

2 Таранглигини йўқотиб, бўшашиб қолмоқ. Дами чиқиб, тўп шалпайиб қолди. ■ Машинасининг бир ғилдираги шалпайиб этибди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

3 кўчма Куч-қувватини йўқотмоқ, кучсизланмоқ, беҳол бўлмоқ, бўшамоқ, мажолсизланмоқ. Яраланган лочин мисоли, Нурмат ерда ётар шалпайиб. Д. Файзий, Турсангчи, мунча шалпаясан. Х. Шамс, Душман. | Ҳафсаласи пир бўлмоқ, бўшамоқ. У [раис] минбардан шалпайиб тушди, боя ўтирган қаторига эмас, орқароққа, панароққа бориб ўтирди. «Муштум», 1961, № 20. | Хомуш бўлиб қолмоқ, анқаймоқ, шалвирамоқ. Назарида.. бошқарма ходимлари ҳам уни гўё «ха анқов йигит, налунча шалпаймасан!» деб таъна қилаётгандек кўринди. М. Мухамедов, Ҳамқишлоқлар. Анқайма ва лалайма, Тўғри ўтир, шалпайма. Қ. Мухаммадий.

**ШАЛПАЙТИРМОҚ** шалпаймоқ 1, 2 фл. орт. н. — «Аттанг»... — деди хўрсиниб Адолат, сўвсизликдан бареларини шалпайтириб турган ғўзаларга қараб. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШАЛПАНГ** Шалпайган, осилиб тушган (қулоқ ҳақида). Қулоғи шалпанг ит.



**ШАЛПАНГҚУЛОҚ** Кулоғи шалпайган; кулоғи бесўнақай катта. *Шалпангқулоқ ит.* — Элмурод.. янги курсантлар қабул қилар экан, камейит, қирғийбурун, шалпангқулоқ.. бир жанеги келиб унинг қаршисида тўхтади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ШАЛПИЛЛАМОҚ** 1 айн. шалошламоқ.

2 Бўшашиб, шалвираб қолмоқ. *Шалпиллаб қолган чол.*

**ШАЛПИЛЛАТМОҚ** шалпилламоқ 1 фл. орт. н. Шалпиллатиб лой кечмоқ. Қалишни шалпиллатиб юрмоқ.

**ШАЛП-ШАЛП** шалп с. такр. Шалп-шалп лой кечиб юрмоқ.

**ШАЛП-ШУЛП** шалп с. такр.

**ШАЛТОҚ** 1 Сийдик аралаш гўнг, балчиқ. Молхона шалтоғи. Шалтоқни тозалашмоқ.

2 кўчма Озодаликка рноя қилмайдиган, ифлос иш тутадиган; ивирски, искирт. Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эплай олмас. Мақол. — Уша чиноқбойни директор қилиб бўлармишми, .. аввал ўзини эплаб олсин, ёқасининг кирини қўрганмисан? Хотини ҳам йўлудай шалтоқ. Мирмуҳсин, Қўринмас ҳалқа.

3 кўчма Ноҳўя хатти-ҳаракат; айб, гуноҳ; жиноят. — *Хўжайин.. ўз нафсини кўзлаб, виждонимни ўз шалтоғига булғаб, ширин турмушимни бузмақчи экан, — деди Жамолдин ўзича.* С. Юнусов, Осон ишнинг охи бор. **Шалтоққа йиқилмоқ** (ёки **ағдарилмоқ**) бирор ноҳўя ишда айбланмоқ, ёмон отлик бўлмоқ. *Қизим, энди эвенной бўлиб юраверсанми? Бирор шалтоққа йиқилмасанг, деб қўрқаман.* В. Гофуров, Вафодор.

◆ **Шалтоқ отмоқ** кимсани айблаб физқи-фасод гап тарқатмоқ; ғийбат қилмоқ. *Сиз буларга қўй, мой келтирасиз. Булар бўлса кетингиздан шалтоқ отади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **ШАЛТОҚХОНА** қ. х. Шалтоқ оқизиб қўйиладиган, шалтоқ йиғиладиган жой; чуқурлик.

**ШАЛҲАҚ** 1 Гўштдан ёки ёғдан ажратиш қийин бўлган юпқа парда. *Гўшт шалҳагини ажратмоқ.*

2 Сифати паст, ориқ, ёғсиз гўшт. *Эртаги думба майдан бугунги шалҳақ яхши.* Мақол.

**ШАМ** [а] 1 Тўнғадиган ёғдан ўртасига пилик қўйиб ясалган таёққасимон чироқ. *Шам қолдиги. Шамни ёқмоқ.*

— *Кумри тоқчадаги шамни ўчирди. Уй қоронғиланди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. Кичкина тоқчага қўндирилган шам зах коридорни сал-пал ёритиб турарди. М. Мухамедов, Кичик гарнизон. **Шам пули дин.** марҳум хурмати учун гўристонга бориб гўрков, шайх ва ш. к.ларга берилдиган садақа. Ёрмат билан Гулсумбиби Гулнорнинг қабрига боришди. Олиб келинган ош-нонни ва шам пулини гўрковга топшириб... қайтишди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Шамдай қотмоқ** ўта совқотмоқ, тўнғмоқ, музламоқ. *Холида*

*бисот сандиги олдида шамдай қотиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 физ. Электр нури кучининг ўлчаш бирлиги. *Юз шам кучига тенг лампочка.*

**ШАМА** 1 Дамлаб ичилган чойнинг идиш тагида чўкиб қолган қисми. *Чойнакка шاما тўлиб қолибди.* — *Самоварчилик йўлудек майда иш.*

*Сув олиб кел, ўтин ёр, оғиз-бурнинг кулга тўлиб пуфлоб чўп тиқиб тур, пиёла арт, шамани тўк.. — деди самоварчи.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Рихси бир қўлида шамасидан сув силқиб ётган чойнакни ушлаганча, титраб ўртада турарди. С. Зуннуова, Гулхан.

**ШАМА** II 1 Пардали қилиб айтилган танқидий мулоҳаза, пичинг, киноя. Бу шамаларни Улмасой, сезадими, сезмайдими, билиш қийин, аммо Абдукарим асло фаҳмламайди. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. *Хайдар бузоқ ҳар кун келар, қарзимизни писанда қилиб, Ойша опага шاما қилиб кетарди.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Очиқ айтилмаган истак, талаб; бирор нарсага имо-ишора. — *Овқатдан кейин секин шاما қилиб кўрган эдим: «Ҳа энди, от билан туя бўлармиди», — деб қолди.* Т. Алимов, Жоним хиқилдоғимга келди.

**ШАМАЛОҚ** Гуж-гуж ёки тўп-тўп. *Дарахтлар тепасида болалар шамалоқ.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ҳозир чойхонада одам шамалоқ бўлса керак.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**ШАМАЛОҚДАЙ**, «дек Гуж-гуж ёки тўп-тўп, кўп. *Фарҳод тоғининг тагида Сирдарёнинг ҳар икки ёқасида шамалоқдек одам.* Ойдин, Ширин келди. — *Кизимнинг қувонганча бор, ҳамма ёқ шамалоқдай кўрт. Худди сабафдай товланиб ётибди-я — деди ўзига-ўзи ишонмаган Шарофат хола.* Ғайратий, Латофат.

**ШАМГАРЛИК** этн. Кечаю кундуз, тунларни ҳам шам ёқиб ишлаш. *Бозор чаққон бўлиб қолган кезларда устакор шамгарлик ёвлон қилади.* Бундай пайтларда қосиб кун-тун уламасдан ишлаганга мажбур. И. Каримов, Атлас жилваси.

**ШАМГИН:** юзи шамгин айн. юзи шувут қ. шувут. *Жўрабек бир ютиниб олди-да, бошини кўтариб шамгин юз билан гап бошлади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Қолхўз катта-кичиклари олдида Холмирзанинг юзи шамгин бўлиб қолди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ШАМДОН** [а+ф-т] Шам ўрнатиб қўйиладиган мослама. *Катта шамдондаги шамларни ўчира бошлади.*

— *Тилла шамдондаги пал-пал ёниб турган шам билан йинашиб тургандай бўлиб, ухларти.* «Эртақлар».

**ШАМИЁН** Омоч бўйинтуруғининг икки чеккасига иккитадан ўрнатишган хўкизлар бўйнида туриши учун хизмат қиладиган тўртта қозиқ. *Ёмон хўкиз шамиён синдирар.* Мақол.

◆ **Шамиён қайтармоқ** эск. бўйсунмай ўжарлик қилмоқ. *Қултой Алпомишни кўриб,.. жуда шамиён қайтариб, дўқлаб, Алпомишга қараб бир сўз айтиб турган экан.* «Алпомиш».

**ШАМЛИ** 1 Шами бор; шам ўрнатишган. *Шамли қути.*

2 физ. ... шам кучига, ёруғлигига тенг. *Юз шамли лампочка.* — *Тўй кўпайгандан бери Ёлғизжоннинг бош қашлаша қўли тегмай қолди.* Тўйхоналарга, ҳовлиларга сим тортиб, беш юз шамли лампочкалар ўрнатиб бериш унинг иши. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

**ШАМОЛ** [а] Ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб ҳаракати. *Ёқимчи шамол. Қаттиқ шамол турди. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.* Мақол. *Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди.* Мақол. — *Очиқ деразадан кирган майин шамол қизинг.. икки тола сочини бўйинга, томоғининг таъига тегилиб ўйнарди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Совуқ шамол зўрайиб, қор учқунлари бурунга, кўзга, пешанга урила бошлади.* Х. Ғулом, Машғал. *Ишдан бўшаб дам олади йиғит, қиз; Ором берар Сирдарёнинг шамоли.* Уйғун.

◆ **Кўкрагига шамол тегди** хузуур-халоват кўра бошлади, фаровон ҳаёт кечирди, яйраб қолди. *Октябрь нуридан баҳраманд бўлиб, кўкрагига шамол тегди ва озод нафас олишга муяссар бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қандай шамол учирди?** «нечук?», «қандай қилиб келиб қолдингиз?», «келганингиз жуда яхши бўлди-да» каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *Дарвозани Нуриддиннинг хотини Ҳаловат очди. — Э, келинг, Набижон ака, қандай шамол учирди? О. Хусанов, Дўстлар.*

**ШАМОЛЛАМОҚ** 1 Шамоллаш касалига дучор бўлмоқ, шамоллаш туфайли касал бўлмоқ; шабадаламоқ. *Шамоллашсиз, Сафар ака, ўраниб йлтиринг.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ, очиқ ҳавода бироз кезмоқ. *Районга кетялман, ўртоқ Қаландаровга учрашиб қайтаман.* Хоҳласанг юр, шамоллаб келсан. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ШАМОЛЛАТИЛМОҚ** шамоллатмоқ фл. мажҳ. н.

**ШАМОЛЛАТМОҚ** 1 шамолламоқ фл. орт. н. *Қумриой, Ғани отага айтинг, Тўлқинни олиб келсин, шамоллатиб қўймасин.* Х. Ғулом, Машғал.

2 Бирор жойнинг ҳавосини янгиламоқ. *Хонани шамоллатмоқ.* — *Николай поштонинг Қишқи саройида уйларни шамоллатадиган туйнуклар йўқ экан деб эшитдим, шу тўғрими.* А. Қаҳқор, Қўшчинор.

**ШАМОЛЛАШ** 1 шамолламоқ фл. иш оти.

2 Одам организмга совуқ тегиши натижасида пайдо бўладиган энгил

касалик. *Шамоллашининг олдини олиш керак.*

**ШАМОЛЛИ** Шамол бўлган, шамол эсиб турган. *Шамолли кун қичқирма, товушинг зоо кетади.* Мақол.

**ШАМОЛПАРАК** [a+ф-т] с. т. Вентильтор.

**ШАМОЛСИЗ** Шамол бўлмаган, эсмаган; тинч. *Шамолсиз тун.*

**ШАМПАНСКИЙ** [р шампанское] Углекислота билан тўйдирилиб, герметик идишда қайта ачитилган узумдан солинган, кўпиклианиб вижиллаб турадиган вино. *Шампанский ичмоқ.*

■ *Собиржон муроди ҳосил бўлиб, қаттиқ олқишлар остида кўёв билан келинга бир рюмкадан шампанский тутди.* А. Қаҳҳор, Тўй. — *Шампанский! — буюрди бойвачча. — Керак эмас, — ёлғонни ростдай қилиб деди хотин.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ШАМС** [a] 1 кт. айн. қуёш. 1. *Бугун қоинотда шамс — подшо, қамар — вазиридир.* Ойбек, Навоий.

2 Шамс (эркаклар исми).

**ШАМСА** [a] Таркибида қуёш тасвири бўлган гул ёки нақш.

**ШАМСИЯ** I [a] 1 Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиландиган 365 ёки 366 кундан иборат, 22 мартдан бошланадиган йил, қуёш йили (шамсия йили қўйнидагилардан иборат: хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақтин, қавс, жадий, далав.

2 Шамсия (хотин-қизлар исми).

**ШАМСИЯ** II [a] эск. кт. Қуёш нуридан сақланиш учун тутиладиган соябон; зонт. *Шаҳар кўк шиша шамсия тутгандек, ҳаво очиқ.* М. Файзий, Уч қиз.

**ШАМЧИРОҚ** [a+ф-т] айн. шам I. *Ҳамманикида электр ёнсаю, сиз шамчироқ ёқиб ўтирсангиз, яхшими?* И. Раҳим, Ихлос. *Токчада хира ёнаётган шамчироқ ташқарида эсан шамолни сезгандек пирпирлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШАМШИР** [ф-т] 1 от, кт. айн. қилч I. *Саид Жалолхон ғайратига чидолмай, шамишир сугурди ва ҳавода ўйнатиб, аскарга фармон берди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Отряд кетидан ҳавода шамиширини ярқиратиб, темирчи Абдукарим билан.. Абдулла от чоптириб кетишиди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 сф.т. кўчма Уткир, етук. *Ҳозир соҳибкорлар даврасида зеҳни шамишир, халқ тажрибаси билан мўъжизакор фанини пайванд этган ёшлар кўп.* Р. Мусамухамедов, Кўчат эк, бог қил!

**ШАМШОД** [ф-т] Ёғочи қаттиқ, доим яшил, тик ўсадиган жанубий дарахт ёки бута. *Шамшод кўчати. Шамшод тарақ. Қомати (ёки қадди) шамшод ёки шамшод қомат (ёки қад) поэт. қадди-қомати келишган, гўзал. Хотин-қиз элига дарду бало паранжи, Шамшод қадларини қилди дуто паранжи.* Ф. Ғуллом. *Зухранинг шаҳло кўзлари жикқа ёшга тўлди, шамшод қомати тебранди.* А. Мухиддин, Чап чўнтак.

**ШАМҒАЛАТ** [a]: кўзини шамғалат қилиб билдирмай, сездирмай; чап бериб. *Ўзимга бўнакка теккан бугдойдан 2—3 мартаба ярим пуддан-ярим пуддан кўтариб, Сатторқул акамнинг кўзини шамғалат қилиб шаҳарга — бозорага тушиб сотдим.* Ф. Ғуллом, Тирилган мурда. *Ёзда боққа болалар оралади, нуқул кўзни шамғалат қилиб, писиб келишади.* Й. Шамшаров, Нихоллар.

**ШАНБА** [ф-т] Ҳафтанинг жумадан кейинги, яқшанбадан олдинги олтинчи куни. *Жума ёғса, шанба тинар; шанба ёғса, қачон тинар?* Мақол. — *Э-э-э,— деди Қурбон ота.— Кунга бу кун нима? Шанбами? Бугун МТСга [Урмонжон] келган бўлиши керак. Келмаган бўлса, энди келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШАНБАЛИК** Коллектив бўлиб, ихтиёрий равишда бирор ижтимоий фойдали ишни бажариш (дастлаб бундай ишлар шанба кунлари бажарилган). *Шанбалик ўтказмоқ.* — *Цех комсомоллари ҳордиқ куни икки соатлик шанбалик ўтказмоқчи эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Погодин дала шийпонида шанбалик ўтказиб МТС ҳодимларининг ғайрати билан кенг ҳовлини хас-хашакдан, чанг-тўзондан ва қумдан тозалади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ШАНТАЖ** [р<фр] Ўз мақсадига эришиш учун қилинадиган ифво, дўқ уриш, кўрқитиш каби ёмон ниятдаги хатти-ҳаракат; дўқ, пўписа.

**ШАНТАЖЧИ** Шантаж билан шуғулланувчи.

**ШАНҒИ** Баланд овоз билан бақриб гапирадиган; бақироқ. *Шанғи хотин.* — *Сидиқжоннинг кўзига қабр сингари қоп-қоронғи ва тор уй, қай-нанаси сингари ўлғундай баджаҳл ва шанғи кампир.. кўриниб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Кампирнинг шанғи товуши қулоқ-мияни еярли даражада ўткир.. эди.* Уйғун, Турсуной.

**ШАНҒИЛЛАМОҚ** I Баланд овоз билан бақриб гапирмоқ. *Телефонда гап-лашаётган райижроком раиси овозининг борича шанғиллар, гапни тушунтиролмай бўйларди.* С. Аҳмад, Хукм. *Кўп ўтмай аскияларнинг шанғиллаган овози ҳамманинг диққатини жалб қилди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Дадам машинида, жағи тинмай, шанғиллаб борапти.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 Қаттиқ ёқимсиз овоз чиқармоқ, шарақ-шуруқ, тарақ-туруқ қилмоқ. *Кўнғироқ қаттиқ шанғиллади.*

◆ **Қулоғи шанғиллади** чарчаш, толиқиш ёки қарилки натижасида қулоғида шовқин пайдо бўлди. *Хиёлнинг кўзи тиниб, қулоғи шанғиллай бошлади.* И. Раҳим, Тақдир. *Унинг [Навоийнинг] бели букчайиб, қўллари қалтирайдиган, қулоғи шанғиллайдиган бўлиб қолди.* М. Осим, Зулмат нчра нур.

**ШАНҒИЛЛАТМОҚ** шанғилламоқ фл. орт. н. *Мунча овозини шанғиллатасан?*

**ШАНҒИМОҚ** с.т. Шанғилламоқ. *У [Ҳожини хола] бир ёқдан шанғиб, бир ёқдан пайнаслашиб, Тўтиқиз орқасидан югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШАП** I айн. шалп. *Бир дона олма узилиб шап этиб сувга тушди.* — *Хўжабеков гарданига шап этказиб урди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 рви Тўсатдан, бирдан; қаттиқ. *Мутал уни тўхтатмоқчи бўлиб, этагидан «шап» ушлаганди, .. кўйлаги ёқасигача йиртилиб кетди.* О. Ёкубов, Ларза.

**ШАПАЛОҚ** I Қўлнинг беш панжа ва қафтдан иборат қисми. — *Ажаб қиламан! — деди Қумуши ва шапологи билан эрининг юзига секингина уриб қўйди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Замон у ёқ-бу ёққа бир жалаглаб олгандан кейин бир шапалогини оғзи ёнига тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қўл, беш панжа билан (бетга) урилган зарба, тарсаки. *Бир шапалоқ урмоқ.* — *Искандар худди шапалоқ еган кишидек туран ерида бир ирғиб тушди.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Истайманки, ҳар бир яроғинг Ёв бетидан ўтлар сачратган, Энг қақшатғич шапалоқ бўлсин!* Х. Пўлат.

3 кўчма Қарши ҳаракат, зарба. *4 кўчма Бўлак, парча. Бир шапалоқ ейтип. Икки шапалоқ муз.*

**ШАПАЛОҚГУЛ** Шапалоқ баргли, кўпинча хонада ўстириладиган, гулсапсарнинг бир тури. *Мана ўша қизғин тувакдаги шапалоқгул.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШАПАЛОҚЛАМОҚ** Шапалоқ билан урмоқ, тарсаки туширмоқ. *Қосимов қайтиб ўрнига ўтираркан, тиззасига шапалоқлаб бир уриб қўйди.* Х. Нуъмон, Фасллар. *[Бой Гулбаҳорга:] Уйнаш деб ўз болангни ўлдирдингми? Гапир, шаршат ургур!* (Шапалоқлаб урар, Гулбаҳор ерга юз тубан йиқилар.) Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ШАПАРАК** Юпқа, пучак. *Шапарак нон.* — *Тахмонда бир эски яшик. Унинг устида увада кўрпа, тошдай қаттиқ кир, шапарак ёстиқ.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ШАПИЛЛАМОҚ** Бирор нарсага урилиб «шап-шап» этган овоз чиқармоқ. *Сув кемага урилиб шапиллади.*

**ШАПИЛЛАТМОҚ** шапилламоқ фл. орт. н. *Низомидинов уф тортиб, икки тиззасига шапиллатиб уриб ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Хукм. *Глухов сувни шапиллатиб, орқага — қирғоққа отилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Буюқ унинг гапини тушунгандай оғзини очди-да, шишадаги сўтни шапиллатиб ича бошлади.* У. Умарбеков, Юрак сўзлари.

**ШАПИР-ШУПУР** I тақл. с. Шапиллаган товуш ҳақида; шап-шап, шап-шуп. *Шапир-шупур сув кечмоқ.* 2 рви Тезлик билан, тезда, тез, жадал. *Овқатни шапир-шупур емоқ.*

— Ойи, жуда гап кўп...— дейман ариқ сувида шапир-шунур ювиниб. Ойбек, Болалик.

**ШАПКА** [р] 1 с. т. Пешана томонида соябончаси — козирёги бўлган бош кийим; фуражка; кепка. *Сайдалим аканинг ўғли гимназия деган катта мактабда ўқийди. Мактабга шапка кийиб боради-я. Тушундингизми, шапка! Ойбек, Кутлуг қон. Нормат.. шапкасининг козирёги ва хром этигининг қўнжигача яққираб турган капитанни кўрди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 айн. **телпак.**

3 **полигр.** Бир неча мақола учун умумий бўлган сарлаҳа.

**ШАПКАЛИ** Шапкаси бор, шапка кийган. *Шапкали бола.*

**ШАПОҚ** 1 Чиқаётган ёки богаётган қуёшга, ёруғликка қарай олмайдиган (от ҳақида). *Қоражонбек аччиқ қамчи уради, Шапоқман баравар кетиб боради. «Алпомиши. Шапоқ от кунга қараёмай, чангалга оёқ босолмай, суриниб йиқилди. «Гўрўғли».*

2 Касаллик туфайли кўзга тушадиган холсимон оқ парда; кўз касаллиги. *Кўзга шапоқ тушибди.*

**ШАППА** рвш Бирдан, тўсатдан. *Асқар полвон бесўнақай лапанглаб, шаппа йиқилди. Ойбек, Қуёш қораймас. Хотин шаппа оғзимни ушлади.— Хой, сен нима қилмоқчисан. Ф. Фулом, Шум бола. [Ит] Нигоранинг атрофида гир айланиб ўқрай, қозик тишларини кўрсатиб, ириллар, шаппа ёпишиб, узиб олиш учун пайт пойлар эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ШАППАЛАМОҚ** с.т. Шапалоқ билан секинроқ урмоқ, шаппатилламоқ.— *Олиб келган одамларингиз саводли чиқиб қолди-ку,— деди мезбонлардан бири Мирзонинг елкасига шаппалаб. А. Қажхор, Мирзо.*

**ШАППАТИ** диал. Шапалоқ. *Юзига шаппати туширмоқ. Шаппати емоқ. — Бувинисо Авазининг юзига шаппати урди. Бола йиғлади. П. Турсун, Ўқитувчи. У, Эҳсоннинг кафтига шаппати билан уриб сўрашди-да, бурнини жийириб ўйининг у ёқ-бу ёғига қаради. А. Қажхор, Сароб. Сувонжон мийғида кулиб, қоядай қимир этмай турарди. Ойсулув ҳар шапати туширганида .. «их, их» деб қўярди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ШАППАТИЛАМОҚ** Шаппати урмоқ, шаппаламоқ.— *Овозини ўчир, бадбахт, овозинени! Болаларнинг уйқусини ҳаром қилдинг,— деди [эшон] ва Элмуроднинг юзларига шаппатилламоқчи бўлиб, паст эзилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ойша ўрнидан туриб ўтирди, тиззасига шаппатиллаб .. кула бошлади. Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб.*

**ШАППА-ШАППА** рвш Шаппиллаган товуш чиқарган ҳолда; жадаллик билан, тез-тез. *Кўжракка шаппа-шаппа урмоқ. — Улар адир этагидаги сойга чиқиб шаппа-шаппа сувга шўнғидилар. Х. Назир, Бир туп гўза.*

**ШАПШАК** диал. Ахлоқ-одобни билмайдиган, адабсиз; ҳеч нарсдан тортинмайдиган, уялмайдиган. *Менинг бошимга аслзода эрни ўлдириб келдингми? А? Бухаё шапшақ. Ш. Тошматов, Эрк кўши. [Хожар:] Э, ўлим берсин, сен безоз шапшақни! Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**ШАП-ШАП** шап с. тақр. Шап-шап сув кечмоқ. *Юзидан шап-шап ўлмоқ.*

■ [Бувим] ариқ лабига ўтириб, юз-қўлини шап-шап юва бошлади. Ойбек, Болалик. *Ичкарида қилдир биров шап-шап эт чайнаб дер эди: — Энди менга берма, Содиқ, Мутал полвонга беравер! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ШАП-ШУП** айн. шап-шап. *Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпойчан кафшини шап-шуп босиб, дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини маҳдум тўхтатди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.— Мен эмас эдим,— деди [Тўла] коса тагида қолган маставага қошғини шап-шуп уриб. М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

**ШАР** 1 [р] 1 мат. Айлананинг ўз диаметри атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик жисм. *Шарнинг сиртини ўлчаш. Шарнинг радиуслари.*

2 Шундай шаклга эга бўлган нарса. *Уларнинг шакли ҳам қизиқ: бири тухума, бири бильярд шарига ўхшайди, баъзиси қайроқ тошдай узунчоқ ва силлиқ. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Аммо бўм-бўш коридорда тўсатдан Замира дуч келиб қолди. Кўз кўзга тушди-ю, электр шарлар чақин чаққандай бўлди. П. Қодиров, Уч илди.*

3 Болалар ўйнаши учун ичига ҳаво ёки ҳавога нисбатан енгил газ тўлдирилган, думалоқ шаклдаги резинка пуфак. *Шар ёрилди. — Аввалги байрамлардагидек ҳавода ранг-баранг шарлар учиб юрмапти. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

◆ **Ер шари** Ер планетаси. *Берма эркинени қўйдан, Яшмоқ чоғин! Ернинг шаридир сенинг Мулку чорбогинг. Ҳамза. Ҳаво шари думалоқ шаклдаги аэрогат.*

**ШАР** II тақл. с. 1 Газмолнинг куч билан йиртилишидан ҳосил бўлган товуш ҳақида. *Сурп шар этиб йиртилди.*

2 Сууюкликнинг шиддат билан оқинишдан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *У қозонга бир пақир сувни шар этказиб қуйиб юборди.*

**ШАРА-БАРА** с. т. Турли-туман нарсалар, қақир-қуқур. *Бошимда бир тогора ош, бўйнимда тасмали термос, шара-бара солинган тўрва. «Муштум», 1963, № 21.*

**ШАРАФ** [а] 1 Фахрланишга арзийдиган нарса; фахр, ифтихор. *Совет кишини учун умумхалқ ишига ҳисса қўйиши буюк шарафдир. — Сени бахтим, ифтихорим, Шарафим, деб, партиям, Бутун меҳрим, севгим билан Улуғлашга ҳақлиман. Уйғун. Комсомол аъзоси Совет Иттифоқи Ком-*

мунистик Партиясининг аъзоси бўлишни ўзи учун энг юксак шараф деб ҳисоблайди. «ВЛКСМ Устави». | Шавкат, обрў. *Заводнинг шарафи учун курашмоқ.*

2 Бирор ижобий хислат, хизмат ёки талант туфайли халқ орасида таратилган донг, шухрат, шон. *Пахтакор қажрамонларга шон ва шарафлар бўлсин! — Невский ухлаган буюк бешиқда, Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас, Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшиқда, Навоий шарафи яшар муқаддас. Х. Олимжон. | Иззат, хурмат.— Хоним .. а, хотин! — деди Фосиқ афанди, «хоним афанди» дейишни чўри учун ортиқ шараф деб фахмлаб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шарафига ёки шарафи учун бирор кимса ёки нарсанинг ҳурмати учун; бирор кимса ёки нарсга атаб, бағишлаб. *Байрам шарафига. — Духовой оркестр Талғат афанди шарафига табрик марши қалди. Х. Фулом, Машъал.— Совет халқининг шарафи учун, бахти учун жонни, қонни фидо қиламиз,— деди капитан. Ойбек, Қуёш қораймас.**

3 Шараф (эркаклар исми).

**ШАРАФА** [а] махс. Бинонинг девор, шип ва шу каби жойларига одатда ганчдан қуйиб ёки ўйиб ишланган нақш, безак.— *О, азизим! — ҳайрат билан гапирди генералнинг хотини ўз шеригига ўйининг шиптидаги ганч шарафаларни, тоқчаларнинг йймакор ганч нақшларини кўрсатиб. Ойбек, Улуғ йўл. Минора тепасидаги шарафани тиклаш ҳам анча меҳнатни талаб қилади. «Шарқ юлдузи», 1959, № 1.*

**ШАРАФЛАМОҚ** Ҳурмат ва ифтихор билан тилга олмоқ, эъзозламоқ; улуғламоқ, олқишламоқ. *Севимли ва улуғ Ватанимизни шарафлайдиган асарлар яратайлик. Ойбек, Халққа хизмат — бахт.*

**ШАРАФЛАНМОҚ** шарафламоқ фл. ўзл. н. Ҳар яхши иш шарафланар номи-ла, Жисми ёшлар, кексаларнинг қалбида. *Шайхзода.*

**ШАРАФЛИ** Ҳурмат ва олқишларга сазовор; фахрли; улуғ, улуғвор. *Шарафли бурч. Шарафли вазифа. Шарафли иш. Шарафли меҳнат. Меҳнат қилиш меҳнатга лаёқатли ҳар бир гравданнинг шарафли бурчидир. — Кўжракни тўлдираётган орденлар, медаллар мардлик белгиси сифатида ҳар бир солдатни шухратларга ўрар, аммо, шунинг билан бирга яна оғирроқ, лекин шарафлироқ вазифалар юқларди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Москва ҳимоячилари ўлмайди! Москвани термос, шара-бара солинган тўрва. «Муштум», 1963, № 21.*

**ШАРАФ-ШОН** Шараф ва шон, шухрат, донг. *Бизда меҳнат шараф-шон ишидир. — Бу ҳаётни кўрдик ниҳоят. Мардонавор кураш—қон билан; Паҳлавонлар этилгуси ёд, Кўп асрлар шараф-шон билан. З. Дибёр.*

**ШАРАҚ** тақл. с. Тош, темир каби

қаттиқ нарсаларнинг ўзаро ёки бошқа қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўлган овоз ҳақида. *Шарақ этмоқ. Коса шарақ этиб синди. Кўча эшик шарақ этиб очилди.*

**ШАРАҚА-ШУРУҚ** айн. шарақ-шарақ.

**ШАРАҚЛАМОҚ** 1 «Шарақ» этмоқ, «шарақ» этган товуш чиқармоқ. У [Абдулла] ҳужра ичидан занжирнинг шарақлаганини эшитди, кимдир деворни тимдалагандай бўлди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Автомобил тезлаб кетган сари асбоблар бир-бирига шарақлаб урилди. Х. Назир, Чўл ҳавоси. Шу онда чироқ шарақлаганича бориб ишга урилди-ю, ерга тушиб чил-нарчин бўлди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 кўчма Чақчақлаб кулмоқ, қаттиқ кулмоқ. *Ғиёс ўқитувчининг оғзидан сал ҳазилнамо гап чиқиб қолгудек бўлса, шарақлаб кулиб юборарди. Ф. Мусажонов, Ғамхўр. Қизлар бирдан шарақлаб кулиб юборишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ШАРАҚЛАТМОҚ** шарақламоқ 1 фл. орт. н. Шу чоқ икки ясаул отда .. шоп-шалопларини шарақлатиб, устасхона олдига келиб тўхтади. Ж. Шарипов, Хоразм. Иш вақти тугагач, у [Орипов] жаҳл билан эшикларни шарақлатиб ёнди-да, уйга жўнади. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**ШАРАҚ-ШАРАҚ** 1 шарақ ё. такр. Кузовдаги металл деталлар йўл бўйи шарақ-шарақ қилиб борди.

2 айн. жарақ-жарақ.

**ШАРАҚ-ШУРУҚ** айн. шарақ-шарақ. Зилзила вақтида жавондаги идишлар шарақ-шуруқ бўлиб кетди. — Бир бурчакда биттаси шарақ-шуруқ чўт уради. Х. Шамс, Характеристика.

**ШАРБАТ** [a] 1 Пишиб етилган хўл мевалардаги қанд моддаси, ширинлик, шира. Мевалар шираю шарбатга тўлмоқда. Хоразм қовунлари ширинлиги ва шарбати билан машҳурдир. — Асалчи бобо бөгда, Юрар гулларин қараб. Виз-виз учиб арилар Гул ўпяр, шарбат ялаб. К. Мухаммадий. Қаҳрамон элга фаровонлик бағишлар ёзу қиш, Шираю шарбатга тўлган боғимиз бўлсин омон. Ҳабибий.

2 Шундай мевалардан сиқиб олинган суюқлик; мева суви, ширин ичимлик. Анор шарбати. Узум шарбати. — [Бехлуд] елкасида ташлаган дастурхонни ёзиб, барқашни меҳмон олдига суриб қўйди, кейин икки косада шарбат келтирди. М. Осим, Зулмат ичра нур.

**ШАРБАТДОР** [a+ф-т] 1 Сувли, ширали, ширин (мева ҳақида). Шарбатдор узум. — Бу қишлоқда пишган луччак шафтоли шунчалик катта, шунчалик шарбатдор бўлар эканки... Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

2 эск. тар. Хон саройидаги катта йиғинларда кишиларга май, шароб қуйиб берувчи шахс. — Хон тайёр экан...— деди кулимсираб Қамбар шарбатдор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

*Шарбатдор чодирдан ичимлик идишларини.. олиб чиқиб кетди. Ғ. Расул, Адолат.*

**ШАРЖ** [р<фр] Бирор шахсни, ҳодисани, нарсани карикатура тарзида тасвирлаш (расм, шетр, латифа ва ш. к. шаклида).

**ШАРИАТ** [a] дин. Мусулмонларнинг қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва гражданлик қонун ва қоидалари мажмуи. *Шариат қоидалари. Шариатда шарм йўқ. Мақол. — Ярашадиган бўлсангиз, шариат йўл топиб беради. Шариатнинг йўли кўп, биттаси берк бўлса, ўнатаси очиқ. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Кўринишида шариатни маҳкам ушлаган халфа .. пирга атаб йиғилган назр-ниёзлар ҳисобига бойиған экан. П. Турсун, Ўқитувчи. Шариат пешволари шариат қонун-қоидаларини мукамал биладиган, у ҳақида йўл-йўриқ кўрсатадиган кишилар — қози, уламо ва ш. к. [Ғофир:] Гапиринг, шариат пешволари! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ШАРИАТПАНОҲ** [a+ф-т] Шариат қонун-қоидаларини изчилик билан амалга оширувчи, шариатни ҳимоя қилувчи, қўллаб-қувватловчи шахс. *Мен сени шариатпаноҳ деб юрган эканман. Энди кўзим очилди, сенинг тулки башарангни танидим энди [деди Қўзибой]. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. Шариатпаноҳ жанобларининг гаплари тўғри. Айний, Жаллодлар.*

**ШАРИАТ-ТАРИҚАТ** [a] Шариат ва тарикат; ислом динининг қонун-қоидалари, йўл-йўриқлари. *Агар ота-онангиз мен билан шу ерда умр қилишингизга рози бўлишса, ўзингиз ҳам шуни хоҳласангиз шариат-тариқат деб ўтирмаймиз. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.*

**ШАРИК** [р] Думалоқ шаклга эга бўлган кичикроқ нарса; соққа, соққача. Подишаник шариклари. Бильярд шариклари.

**ШАРИҚЛИ** Шариги бор, шариги бўлган. Шарикли подишаник.

**ШАРИЛЛАМОҚ** 1 Тез ва бетиним шовқин билан оқмоқ; шовулламоқ, шалдирамоқ (сув, суюқлик ҳақида). *Ёмғир тарновдан шариллаб тушяпти. — Суви қайтиб, тошлоқ қирғоқлари шақирлаб қолган сой бир текис шарилларди. С. Анорбоев, Оқсой. | Кўп ва тез оқиб турмоқ, отилиб чиқмоқ. Ярадан қон шариллаб оқмоқда.*

2 «Шар» этган овоз ҳосил қилмоқ. *Сурп шариллаб йиртилди.*

**ШАРИЛЛАТМОҚ** 1 шарилламоқ фл. орт. н. Қоронги кечода ёмғирнинг шариллатиб қуяётгани том бўғотларига қўндирилган кичкинагина ёғоч тарновчалардан тушаётган ёмғир товушидан маълум эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Тутилмай, бетўхтов ўқиб ёки айтиб бермоқ. У [раис] рақамларни шу қадар ёддан шариллатдики, гапига ишонмасдан иложингиз йўқ эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Қани энди мен ҳам ўрисчани шарилла-

тиб ўқийдиган бўлсам. С. Аҳмад, Хукм.

**ШАРИФ** [a] 1 эск. Муқаддас, азиз; табаррук. *Бухороий шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улғу табиб ўтган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.— Қайтиб келгандан кейин сизларнинг ёрдамингизда ҳазратимнинг мазори шарифларига бориб турамиз-да,— деди домла. П. Турсун, Ўқитувчи. | юқ. усл. Яхши фазилатли, қўтлуғ, муборақ. Илкони бўлса ул жанобнинг исм шарифларидан бизга писанднома ёзмоқ маъқулдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Шариф (эркаклар исми).

**ШАРЛАТАН** [р<фр] с. т. Алдамчи, товламачи, фирибгар. *Аммо у [Зикир] шарлатан савдо инспекторини қўлга олиб, актларни йўқ қилиб улғурибди. Ш. Ғулломов, Ёрқин уфқлар. || Мен у одамни сиздан яхшироқ билман, юз сўмликнинг қирғоғини кўрмасам, овози хаста бўладиган шарлатанлардан. С. Маҳкамов, Шогирд.*

**ШАРМ** [ф-т] Ножўя хатти-ҳаракатдан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси; ҳаё, ор, номус. *Шарм қилмоқ. — Ёки ўша ёқалашинида бирон ери лат ёди-ю, шарм кучлилик қилиб индамадими? Мирмухсин, Умид. Мардона кечган йўлим. Эмасди шарм, эмас ор. Миртемир.*

**ШАРМАНДА** [ф-т] Шарму хаёни йўқотган; хаёсиз; расво. *Шарманда хотин. Шарманда бўлмоқ. Шарманда қилмоқ. || Шармандасини чиқармоқ. Шармандага шаҳар кенг. Мақол. — Кўп гап сотманг, олифта, Гапнингиз кўйган латта, Иш бор жойдан қочасиз, Шармандасиз албатта. «Қўшиқлар». Фақат эҳтиёт бўлинг, мени шарманда қилманг яна. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Талоқ хати олиб келиб берганидан кейин, маҳаллага чиқиб бир шармандасини чиқарай, деган эдим, бу ўғрини. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ШАРМАНДАГАРЧИЛИК** Шармандали хол, ҳодиса; уят, номус; ҳаёсизлик.— *Ҳа, Мўмин ака,— деди Оймихон,— нима шармандагарчилик бу? Колхоз торлик қилиб қолдимиз, дейман сизга, а? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ШАРМАНДАЛАРЧА** рвш Шарманда бўлиб, шармандали равишда. *Шармандаларча чекинмоқ. Шармандаларча таслим бўлмоқ.*

**ШАРМАНДАЛИ** Шарманда бўлган, аянчли, расво. — *Чоризм даврида аёлларни ярим қул ҳолида яшаши қоби шармандали аҳволдан совет ҳокимияти қутқазди ва уларни озодликка чиқарди. «К. Ўзбекистон», 1959, 29 январь.*

**ШАРМАНДАЛИК** шарманда с. маъх. от. *Лаълининг шармандалиги туфайли Бўронбек билан қилиши шарт бўлган «хисоб-китоби» унинг вужудини бутунлай эзиб юборди. Х. Ғуллом, Машғал. [Хусайн:] Ҳайҳот, бу қандай шармандалик! Уйғун ва И. Султон, Навоий. Душманлар Совет Ватанининг чегараларини бир неча бор бўзиб ўтишга уриндилар. Лекин уларнинг ҳамма*

авантюралари ҳамisha шармандалик билан тугади. Н. Нишонов, Улуғ енгилмас куч.

**ШАРМАНДА-ШАРМИСОР**, шарманда шармисор айн. шарманда. Муқимий бу тоифадаги кишиларга қарши «Баччага» шеърини ёзиб, уларни халқ олдида шармандаи шармисор қилди. Туйғун, Кўқон боёнлари. [Майсара:] Мен у бадбахтларни қандай шармандаи шармисор қилишимни ҳали кўрурсиз. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ШАРМИСОР** [ф-т] айн. шарманда. Шармисор бўлмоқ. — Шарманда қилдинг, шармисор қилдинг! — Тожибой пешанасига уриб додлаганича уйига кириб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ШАРМИСОРЛИК** шармисор с. белги оти. — О, ҳали сен иблис фарзандлари билан ҳамтовоқ бўлдингми? — қичқирди Абдуллоҳид тупуғини сочратиб, — бу қандай шармисорлик! Ойбек, Нур қидириб.

**ШАРМЛИ** Шарм-ҳаёси бор; ҳаёли. Шармли қиз.

**ШАРМСИЗ** Шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз, ҳаёсиз. Шармсиз йиғит. — Эшонларнинг ўзлари, Шармсиздир юзлари, Ошга тўймак кўзлари. Ҳамза.

**ШАРМ-ҲАЁ** [ф-т+а] Шарм ва ҳаё; уялиш ҳисси. Икки хотини бўлган бу чол шарм-ҳаёни учутиб, яқинида ёш бир қизга уйланган эди. М. Осим, Ўтрор. Ислохўжада шарм-ҳаё деган гап қолмабди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ШАРМ-ҲАЁЛИ**, шарму ҳаёли шармли ва ҳаёли; уятчанг. Шарм-ҳаёли қиз.

**ШАРМ-ҲАЁСИЗ**, шарму ҳаёсиз ҳеч кимдан уялмайдиган; шармсиз, ҳаёсиз, номуссиз. Шарму ҳаёсиз бўлсанг, Хар ерда ерсан шатта. Маъқул, билимдон бўлсанг, Иззат-ҳурматинг катта. Мақол.

**ШАРНИР** [р<фр] Бир-бирига бириктирилган икки валинг, ўқнинг ўзаро бурчак ҳосил қилиб айланиши ёки ҳаракат қилишига имкон берадиган механизм.

**ШАРНИРЛИ** Шарнирга эга бўлган, шарнири бор. Шарнирли бирикма.

**ШАРОБ** [а] кт. Қайф қилувчи ичимликларнинг умумий номи; май; вино. [Навой:] Таажжуб, янгича аза, янгича базм .. Энгиларида қора либос, қўлларида қизил шароб, тушқунликнинг мужассам тимсоли! Уйғун ва Й. Султон, Навой. Қалдирғочнинг расми ўйилган Шишалар шаробларга лим. Э. Раҳим.

**ШАРОБХОНА** [а+ф-т] кт. Шароб нчиладиган жой; майхона.

**ШАРОБХЎР** [а+ф-т] кт. Шароб ичишга ружу қилган, берилган. Шаробхўр одам.

**ШАРОБХЎРЛИК** шаробхўр с. мавз. от. Шаробхўрлик қилмоқ.

**ШАРОБЧИ** эск. кт. Шароб сотувчи, майфуруш.

**ШАРОИТ** [а] Бирор нарсанинг қай ҳолда содир бўлишига таъсир этадиган умумий аҳвол, ҳолат, вазият. Ҳаёт

шароити. Табиий шароитлар. Меҳнат шароитини яхшиламоқ. Шароит яратмоқ. — Тоғ шароитига мослаша бошлаган кўйларнинг, қонда ўзароши бўлади. С. Анорбоев, Оқсой. Бироқ унинг [Жуковскийнинг] ўқувчилик даврида сизларга яратиб берилгандек шароит бўлмаган. С. Зуннунова, Янги директор.

**ШАРОРА** [а] эск. кт. айн. учқун 3. Ишқ шарораси.

**ШАРОРАТ** [а] эск. кт. 1 Ахлоқий бузқулик, фахш, ахлоқсизлик.

**ШАРОФАТ** [а] 1 Хосият, фазилат; наф, фойда. Яхшининг шарофати тегади, ёмоннинг касофати. Мақол. — Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел боғласа меҳнатга ким, азиздир. Ҳабибий. Улуғ Октябрнинг шарофатидан, Фан бизда кенг ёйди ўз қанотини. Э. Раҳим. Шарофати билан бирор кимса ёки нарса тугайли, унинг яхши хислати, хосиятига кўра. Сизнинг шарофатингиз билан бошимни кўтариб турибман. Ёмғир шарофати билан гўзалар яхши ўсяпти.

2 Шарофат (хотин-қизлар исми). **ШАРОФАТЛИ** Хосиятли, фазилатли; фойдали; қутлуғ. Шарофатли киши. Шарофатли давр. — Илм амал билан шарофатлидир. Ғ. Гулом.

**ШАРОФАТСИЗ** Шарофати йўқ, хосиятсиз, фазилатсиз, бахт келтирмайдиган.

**ШАРПА** 1 Билинар-билинас эшитилган овоз, «шитир» этган товуш. Оёқ шарпаси эшитилди. — Қийклар жуда зийрак бўлади. Уларга сал шарпа кифоя. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Арава тортган, юк кўтарган отлар бўйинларини эгиб, шарпа чиқармасдан борардилар. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор кимса ёки нарсанинг ғира-шира, билинар-билинас бўлиб кўринган гавдаси, қораси; соя. Ҳалиги фонарнинг хираеина нури тушиб турган тош ёнида бир шарпа қимирлади. А. Мухтор, Тугълиш. Анҳорнинг тўёнлари олдида одамларнинг хира шарпалари уймалашар. Х. Назир, Сунмас чақмоқлар. Отабек кетига бурилиб, ташқари йўлдан киргувчи дадаси билан Ҳасанали шарпасини олди ва ўйлашиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кўйма Бирор нарсанинг яқинлашиб келганлигини кўрсатувчи белги, аломат. Революция шарпаси. — Гўзал баҳорнинг шарпаси ер ва кўжда, гул ва япроқда, ўт-ўланларда кезар эди. Н. Сафаров, Қайта туғилиш.

4 Ялтироқ нарса (мас. кўзгу) орқали бирор жойга тушган шўъла, нур акси. Шинда шарпа ўйнай бошлади. — Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларига шом қорасида шарпадай милтиллари. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ШАРПАСИЗ** Овоз чиқармаган ҳолда; овозсиз, товушсиз. Ҳаёт сахнда уққидай тикилиб турган катта бувисси томонга майин, шарпасиз одим-

лар билан шипиллаб.. кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Шу пайт дарвозанинг бир табақаси ўз-ўзидан шарпасизгина очилди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАРП** [а] Ёмонлик, ёвузлик; касофат. [Кулаҳмад:] Ҳазрати олий ҳовлимда меҳмон бўлганларида, фуқарони бу ёмонлар шарридан халос қилмаман, дедилар. Мирмуҳсин, Чўри.

**ШАРРОС** 1 рвш Челақлаб куйгандек, жадал (ёғаётган ёмғир ҳақида). Мунавар навбатчиликдан бўшаб эшикдан чиққанда, ёмғир шаррос қуяётган эди. С. Анорбоев, Меҳр. Тунги билан шаррос қуйиб чиққан ёмғир тонг отарга яқин тинди. С. Абдуқаҳҳор, Ушалган орзу. Кўз юмиб оғунча, бутун кoinотни булут қоплаб, шаррос ёмғир қуяди. М. Назаров, Жилвон жилвалари.

2 от Челақлаб қуйган сингари ёғадиган шиддатли ёмғир, сел. Томчилар йилтиллаб йўлка тошида Бўлажак шарросдан берарди хабар. Шухрат.

3 рвш, кўйма Тутилмасдан, дудуқланмасдан, тез; дадил. Мен эски жананомаларни ўқиб ўрганганим учун .. «Тараққий» газетасини шаррос ўқиб кетабердим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ШАРСИМОН** Шарга ўхшаган, шар тахлит; юмалоқ. Шарсимон жисм (физ.). Шарсимон идиш.

**ШАРТ** 1 [а] 1 Бирор иш ёки масала юзасидан ёзма ёки оғзаки ўзаро келишув олиш, ўзаро келишув. Шартга кўра мен йигирма сўм тўладим. — Мана энди айрилмас дўст, сирдош бўлдик. Бир-биримиздан сир сақламаймиз.. Хўпми? Шарт шун.— деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзаро шартлашаётган ёки бирор муносабатда бўлаётган томонлардан бирининг бошқа томонга нисбатан қўйган талаби, тақлифи. Китобни қайтариш шарт билан бермоқ. Шарт қўймоқ (қилмоқ). — Жонфигон қасамнинг ҳар хилдан ичди, кейин бизнинг кафил бўлишимизни сўради. Биз охириги синов бўлиши шарт билан кафил бўлдик. А. Қаҳҳор, Жонфигон. Мулла Обид қишлоқларнинг кейинги шартларига икки юз фоиз жавоб бера билади. А. Қодирий, Обид кетмон. — Мен айтдимку, — кескин сўзлади Фазлиддин, — эртага шаҳарга туш, нима шартинг бўлса, ўша ерда гапир. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор нарсанинг амалга ошири учун зарур бўлган омил, хол-ахвол, шароит. — Маданиятли бўлишининг энг биринчи шарт — соддалик, табиийлик, — деб юбордим. Ф. Мусажонов, Меҳмонда.

4 кесим вазифасида «Зарур», «керак», «лозим» каби маъноларни ифодалайди. Бугун келишимиз шарт. — Партияга қабул қилиш масаласи муҳокама қилинаётганда, рекомендация берувчиларнинг ҳозир бўлиши шарт эмас. «КПСС Устави». Мулла бўлиш



учун хат-саводли бўлиш шарт эмас. Айний, Қуллар.

◆ **Шарт майли грам.** бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган бошқа иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатувчи феъл формаси. **Шарт эргаш гап грам.** бош гапдан англашилган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятнинг қай шарт-шароитда рўй беришини англатувчи эргаш гап. **Эҳтиёти шарт** ҳар эҳтиётга қарши. **Ҳа, Шербек ҳам эҳтиёти шарт, Нигора билан ошиқ-маъшук, Назаровга қувв бўлса ҳам ажаб эмас.** С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАРТ II:** **Шарт кетиб парти қолган** 1) қариб, куч-қуввати кетиб қолган, мукиллаган; бедармон. **Шарти кетиб парти қолган бой, тепага кўтарилган сари оёғи қалтираб, бутун вужудидан тер оқа бошлаган.** «Қ. Ўзбекистон», 1963, 20 август; 2) эски, шалоқ; хароб. **Шарти кетиб парти қолган арава.** — [Жўра:] **Рўзгорнинг шарти кетиб парти қолди. Шу рўзгоримни тебратсам дейман.** И. Султон, Бургутнинг парвози.

**ШАРТ III тақл. с. I** Кескин ҳаракат ёки бирор нарсанing урилиши ёки узилишидан хосил бўладиган овоз ҳақида. **Икки-уч қамчидан сўнг толга боғланган тизгин шарт этиб узилиб кетгач, [Отабек] боя юриб кетган отини ўткинчилардан битмасининг боғлаб турганини эслади.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. «Чоргоҳ» тулагандан кейин Мансур половн эғнидаги чопонини шарт ечиб, Эҳсонхонга кийдирди. А. Эшонов, Чоргоҳ.

2 айн. **шартта** 1. **Шарт гапирадиган одам.**

3 айн. **шартта** 3. **Пов-пов сут соғатан Тошхоннинг челаги тўлай деб қолганда, Тарғил қурғур шарт тепди-ю, ҳаммасини ағдариб юборди.** А. Мирахмедов, Ўт юраклар.

**ШАРТАК айн. шартаки 2.**

**ШАРТАКИ I** сфт Уйламай-нетмай, юз-хотир қилмай гапирерадиган; андшасиз. **Шартаки одам.** || **Бир гапни тушунтиргунча етмиш марта лўқма ташлайдиган шартакиларни .. оқламоқчи эмасмиз.** «С. Ўзбекистон», 1967, 13. август.

2 от **Шартиллагиб** уриш, шаппати.

**ШАРТАКИЛИК шартаки I с. белги оти.** **Хўб қизан-у, шартакилигине чатоқ, гап келганда отангиз аямайсан.** А. Муҳиддин, Ҳадя. **Саври хола овсининг хафалигини бир оз ёзиш учун пийпаслаб кетди:** — **Шартакилигим ўлсин, овсин, гапиравераман.** Р. Файзий, Қишларимиз қиссаси.

**ШАРТИЛЛАМОҚ «Шарт» этган овоз чиқармоқ.** Арқон **шартиллаб** узилди.

**ШАРТИЛЛАТМОҚ I шартилламоқ фл. орт. н.** Икромжон унинг пешанасига **шартиллаб**тиб бир туширди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 кўчма **Тез** ва кескин гапирмоқ. **Бой Қоҳиранинг таом узатиш одати, удуми французча, шартиллаб гапирини инглизча, аксари фильмлари**

**америкача.** С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

**ШАРТКЕСАР** Дангал гапирадиган; дангалчи. **Шарткесар одам.** — У [Муротали] **виждони пок, юраги очиқ ва шарткесар эдики, кимдан ва нимадан норози бўлса, юзи-кўзига қарамай, кескин айтарди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ШАРТЛАШИЛМОҚ шартлашмоқ фл. мажх. н.**

**ШАРТЛАШИШМОҚ шартлашмоқ фл. бирг. н.**

**ШАРТЛАШМОҚ** Бирор масала юзасидан ўзаро келишиб олмоқ; ахдлашмоқ. **Кечкурун кинога боришга шартлашдик.** **Ҳар икки томон ўзаро ёрдамни янада кучайтириш ҳақида шартлашдилар.** — **Правление билан гектаридан 13 ярим центнердан шартлашган бўлсам ҳам, 24 центнердан беришни мўлжал қилиб юрибман.** Ф. Ғулум, Тирилган мурда.

**ШАРТЛИ I** Бирор шарт асосида ўзаро келишилган, шартлашилган. **Шартли ишора. Шартли жойда учрашмоқ.**

2 рөш **Маълум шартлар асосида, бирор шарт билан. Турғун сизга қўшимча ҳужжат бермоқчи.** **Ҳозирча шартли қабул қилаверасиз [деди Валихўжа].** Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 **Маълум шартлар асосида қайд қилинган, бирор шарт амалга оширилган тақдирдагина кучга кирадиган. Оғир шартли битим.**

4 Бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к.ни раъз, тасвир билан ифодалайдиган. **Қабул қилинган шартли белгилар. Дарёларни шартли чизиқ билан ифодаламоқ.**

◆ **Шартли рефлекс физиол.** организмнинг ҳаёти давомида янгидан ўзлаштириладиган рефлекс; тақ. **шартсиз рефлекс (қ. шартсиз).**

**ШАРТНОМА [+ф-т]** Бирор масала юзасидан ўзаро келишилганлик ҳақидаги ёзма битим. **Социалистик муСОБАҚА шартномаси. Сулҳ шартномаси. Шартнома тузмоқ.** — [Маҳамад РаСУЛ:] **Шартнома мазмунига қараганда, сизнинг гарданингизга тушадиган.. кўп чиқимларни мен ўз зиммамга олдим.** Ойбек, Қутлуг қон.

**ШАРТСИЗ** Шарт қўйилмаган, шартли йўқ. **Шартсиз ўйин.** | Бирор шарт қўймадан, сўзсиз; тўла-тўқис.— **Бу ҳолдан қутулишининг бирдан-бир йўли,— деди йигитлардан бири,— ҳеч бир шартсиз, сўзсиз, шўро ҳукумати-нинг марҳаматига сизгиниб, таслим бўлишдир.** Айний, Қуллар.

◆ **Шартсиз рефлекс физиол.** инсон ёки ҳайвон билан бирга туғиладиган рефлекс; туғма рефлекс; тақ. **шартли рефлекс (қ. шартли).**

**ШАРТТА** рөш I Истиҳола қилиб ўтирмай, юз-хотир қилмасдан, рўй-рост, дангал. **Бор гапни шартта гапирадиган одам.** — У [Арора] **хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. Мажлис-ларда кимнинг камчилиги бўлса шарт-**

**та юзига айтаверарди.** С. Аҳмад, Уфқ. У [Элмурод] **энди бўйни қисик етим эмас. Энди унга .. бор гапни шартта айтиб, кўнгилни хижолатдан бўша-тиш осонроқ!** П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Уйлаб-нетиб ўтирмасдан, иккиланмасдан; тезлик билан; бирданига. **Қўшиқ шартта ўрнидан турди-да, зарда билан дўқиллаб, чиқиб кетди.** Ҳ. Шамс, Душманлар. **Почтаев шартта бурилиб, жўнаб қолди.** А. Мухтор, Туғилиш.

3 Кутилмаганда, бирданига. **Арғимчоқ шартта узилиб кетди. Тўсин шартта синди.** — **Фосих афанди маҳкум бошига бола туширган жаллоддай, гапни шартта кесди.** М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Бултур ёздан бери оғилхонада чириб ётган арқон йўлар, шартта узилиб кетди-да, икковимиз ҳам чалқанча тушидик.** Ф. Ғулум, Шум бола.

4 Кескин ҳаракат билан, қаттиқ.— **Қизил гулдай хотиним қолди ... Воҳ, воҳ, пешанам. Қизил гулдай.— Охун пешанасига шартта уриб давом этди.— Ёдимга тушса, жиериш хун бўлади.** Ойбек, Қутлуг қон.

**ШАРТТА-ШАРТТА I шартта с. тақр.** **Ўғил ўстириш бу турда бўлмас. У тиласин-тиламасин шартта-шартта тилагингизни қилингиз-да, қараб тура берингиз.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с. т. **Бирин-кетин, узлуксиз. Нимага куяман, ака, биласизми? Еш хотин шартта-шартта туғаверади.** Ойбек, Қутлуг қон.

**ШАРТ-ШАРОИТ [а]** Шарт ва шароит; вазият. **Хуллас, эркакжон бўлиш учун мана шунақа талай сабаблар, шарт-шароитлар бўлиши керак.** П. Қодиров, Уч илдиз. **Қолхозда сенга ҳамма шарт-шароит тахт эканига шубҳа йўқ.** А. Қаххор, Қўшчинор.

**ШАРТ-ШАРТ шарт III 1, 2 с. тақр.** **Гулсумбиби ирғиб тушиди-да, икки қўли билан икки тизасига шарт-шарт уриб, бобиллаб гапирга кетди.** Ойбек, Қутлуг қон. [Сотволди:] **Қо-йилман сизга, ўртоқ, Дўсматов! Ҳа-қиқатни шарт-шарт юзига айтиб, оқ-соқолни жуда эсанкиратиб қўйдингиз!** П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШАРТ-ШУРТ I шарт III 1 с. тақр.** **Қоғозни шарт-шурт йиртмоқ.** — **Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартка олишдилар.** А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Жўрапошиша бўйнидан қум марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шурт узиб, марваридларни киизга тўқди.** М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 **Тезлик билан, тез-тез, жадал.** **Ўзи ишга киришиб, шарт-шурт чеканка қилиб кетаварди.** **Бошқалар [Холдорнинг] орқасидан эргашдилар.** Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.— **Нега йиғлайсан, тинчликми ўзи? — Адол хола қўлидаги суғични илиб унга яқинлаша бошлаган эди, Тошхон халатни шарт-шурт ечиб**



улоқтирди-да, кўчага югурди. А. Мирахмедов, Ут юраклар.— Э, боринг сиз! — деб Ашур шарт-шурт кийинди-ю, чодирдан чиқиб кетди. П. Қодиров, Қадрим.

**ШАРФ** [р<фр] Бўйинга ўраладиган ёки бошга, елкага ташлаб юрлядиган энига нисбатан узун мато.

**ШАР-ШАР шар** II с. такр. Шар-шар ёлғир қуймоқда. — Уроқ ўткир эди. Уралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани «шар-шар» йиқиб борар экан, [Йўлчининг] ўзи ҳам завқланди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШАРШАРА** Баланд, тик тепаликдан пастга шовуллаб оқиб тушадиган сув оқими; шалола. Олтинчи метр баландликдан отилиб тушаётган шаршара тўфони тағида бўлди. Р. Файзий, Заранг барги. Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улғурорлик бахш этиб, бир текис гувиллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди. С. Анорбоев, Оқсоғ.

**ШАРШАРАҚ** Кичик шаршара. Тоғ оралмидаги шаршаракнинг бу ажойиб қилиқлари болаларни ҳаяжонга солди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШАРЪАН** [а] дин. Шарият қонун-қоидаларига мос келадиган равишда, шарият бўйича. Сен ўғрисан! Одам бўлагинида шаръан қўлингни кесиш лозим бўлар эди. А. Қаҳҳор, Башорат.

**ШАРЪИЙ** [а] дин. Шарият ақидалари, қонун-қоидаларига мос келадиган; шариятга кўра қонуний. Шаръий иш тутмоқ. — Нафис нафисангизни Эшонхўжа қори Зикирхўжа ўғлига бахшида қилиб, шаръий эрликка қабул қилдингизми? — деди домла. Ғайратий, Довдираш. | Ичса айб бўлмайдиган, шариятда йўл қўйилмайдиган, ҳалол (май, шароб ҳақида). Майли ароқ ҳам шаръий нарса, сиз учун ичман, полвон. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

[Мунажжим:] Бу май тақсиримнинг муборак соқолларида сузилган шаръий май. Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Ҳийлаи шаръий** ёки **шаръий ҳийла** шарият қонун-қоидаларига чап бериб тутиладиган иш, ҳийла. У [имом] бойнинг қасамига шохид эди, ажаб эмас эдики, бирор шаръий ҳийла топиб, бойни бу ботқоқдан қутқазса. Айний, Эсдаликлар.

**ШАРҚ** I [а] I Дунёнинг тўрт томондан бири; ғарбга нисбатан қарам-қарши бўлган томони, куёш чиқадиган томон; хун чиқши. От кўчаннинг шарқига юриб, .. яна шимолга бурилиб тор кўча бўйлаб узоқ кетди. А. Қодирий, Утган қулар. Уруш ғарбда, рота фронтдан уч-уч ярим минг километр берида, яна шарққа қараб кетаётибди! Аҳмаджон ўйлаб ўйига ета олмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Уфқнинг куёш чиқадиган қисми. Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди. Ишчи бобо сескансанг-чи, Шарққа куёш чинлаб чиқди! Ҳамза.

2 (Ш — катта) Ғарбий Европада нисбатан шарқ томондаги мамлакатлар, ўлкалар. Шарққа соёхат. Яқин Шарқ. Узоқ Шарқ. — [Салимхўжа] Нусратиланинг иқболу истиқболи ҳақида кўп широйли китобий сўзлар билан гапирар, янги Шарқнинг қудрати, миллатнинг гули бўлади, деб мақтар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Улар ҳозирги Шарқ тарихи китобини навбатма-навбат ўқиб ва эшитиб ўтирганларида Очилнинг кўз олдига дам-бадам эзилиб йиғлаётган Замира келар, бунинг учун у ўзини гуноҳкордай ҳис қиларди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ШАРҚ** II айн. **шарак**. Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулаф билан шарқ этиб беркиди-да, Адолатга эргашди. С. Зуннуова, Гулхан.

**ШАРҚИЙ** I [а] Шарқ томонда жойлашган; шарқдаги, кун чиқишдаги. Шарқий Европа. Шарқий мамлакатлар.

**ШАРҚИЙ** II [а] эск. Юриб туриб нақарот билан айталадиган қўшиқ; марш қўшиғи. Болалар шарқий айтдилар. А. Қаҳҳор, Сароб. Кўноқлар шарафига ўқияжак шарқийни машқ қилиб бўлдингизми? З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ШАРҚИРАМОҚ** айн. **шарилламоқ** I. Тўйлаган ака шарқираб оқётган ариқдан юз-қўлини ювиб, белидаги белбоғининг бир учига артинди. Х. Назир, Механизатор Тўйлаган Тошев. Эшигим олдида бир туп терак бор, Энидан ўтади ариқ шарқираб. Шўхрат.

**ШАРҚИРОҚ** Шариллаб, шарқираб оқадиган. Шарқироқ сой. — Шарқироқ ариқ ёқасида, ўсиқ ялпизлар орасида ўтириб, кўклам қўчоғида ястаниб ётган фусункор далага суқланиб тўйиб бўлармикан?! Н. Ёқубов, Бўсағада.

**ШАРҚЛИК** Шарқда яшовчи, шарқий мамлакатларнинг бирда истиқомат қилувчи. Шарқлик одам.

**ШАРҚОНА** [а+ф+т] кам қўлл. айн. **шарқча**.

**ШАРҚЧА** Шарқ халқи услуби, одати ёки маданиятига хос; шарқона. Ҳар икки қаватдаги хоналарнинг кенг деразалари ўймакор устунли узун, лекин торроқ шарқча айвонга очилар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ШАРҚШУНОС** [а+ф+т] Шарқшунослик мутахассиси. Шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ анжумани.

**ШАРҚШУНОСЛИК** Шарқ мамлакатларининг маданияти, тарихи, экономикаси, тили, санъати ва шу кабиларни ўрганадиган фанлар мажмуи. Шарқшунослик институти.

**ШАРҲ** [а] Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш; изоҳлаш, изоҳ. Шарҳлар билан чиқарилган Навоий асарлари. Шарҳ қилмоқ (этномоқ). — Абдурахмон .. кутилмаганда жонланиб кетди. Яъни «Ақоённинг шарҳи яхши тушунишга енг шимарди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Имом тўйнинг «фазилатлари»ни шарҳ қила боилагач,

Бозор ёмон хаёллардан қутулиб, қўрқинчли туш кўраётганда бирдан уйғонган одамдай бўлди. Айний, Дохунда.

♦ **Шарҳи** дил дилдаги бор гапларни очик-ойдин баён қилиш. Шарҳи дилми кимга ёссам, Шакар деб дунёни кезсам. «Ширин билан Шакар».

**ШАРҲЛАМОҚ** Шарҳ-изоҳ қилмоқ; тушунтириб бермоқ; изоҳламоқ. Дадасининг супада этиб қолганини ҳам қиз ўзича шарҳлади. Х. Ғулум, Тошкентликлар.

**ШАРҲЛАНМОҚ** шарҳламоқ фл. мажс. н. Бу хатларда республикамиз ҳаётидаги янгиликлар, юз бераётган камчиликлар шарҳланади. «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 163.

**ШАРҲЛОВЧИ** Бирор нарсани тушунтириб берувчи; изоҳ берувчи; шарҳчи. Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижодида абр гулларининг келиб чиқишини шарҳловчи афсоналар бор. «Фан ва турмуш», 1965, № 5.

**ШАССИ** [р<фр] I Машина, механизм ва турли қурилмаларнинг барча қисмлари ўрнатиладиган асоси; рама. Автомобиль шассиси. Узиюрар шасси қ. х. турли қишлоқ хўжалик ускуналарини ўрнатиш имкониятини берадиган трактор.

2 Турли прибор, радиоприёмник ва ш. к.нинг асосий деталлари ўрнатилган қисм. Телевизор шассиси.

3 Самолётнинг ҳавога кўтарилишга, қўниш вақтида эса унинг урилиш кучини пасайтиришга хизмат қиладиган қисми. Йиғма шасси. Йиғилмайдиган шасси. — У [Жерар] шассини чиқарди. Самолёт ўқ тезлигида бориб ерни қапшади. А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

**ШАТАК** I Ўзи юролмайдиган улов, транспорт воситасини бошқа уловга, транспорт воситасига тиркаб олиб юриш усули. Қумри қатъиятлик билан машинага югурди-да, кузовга ташлаб қўйган, шатак тиркаш учун ишлатилмайдиган сим арқонни судраб келтирди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 кўчма Қолоқларни илғорларга тенглаштириш мақсадида уларга бериладиган ёрдам; кўмак. Кечагина бошқаларнинг шатакига муҳтож бўлган бригада — бугун, қарабсизки, илғор. «Ўзбекистон маданияти», 1963, 7 сентябрь. **Шатакка олмоқ** I) ўзи юролмайдиган улов ёки бирор транспорт воситасини бошқасига тиркамоқ, бошқасига тиркаб юргизмоқ, судрамоқ. Юки оғир от .. олағи интилмасга ё шатакка олинади, ёки аравадан чиқариб бошқа от қўйилади. «Шарқ юлдузи», 1959, № 5; 2) ўз кучи билан тортмоқ, судрамоқ; тортиб юргизмоқ. Кўпчилик йиғитлар сакраб ерга тушиб, арқонни боғлаб машинани шатакка олдилар. Ш. Ғулумов, Бўз ер уйғонди; 3) кўчма ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ. Утсам-ўтмасам, ҳавотир эмасман. Биласиз-ку, раис, шатакка олиб юрган йиғитмиз. — «Қахрамоннома».

**ШАТАКЛАМОҚ** ай. шатакка олмоқ қ. шатак 2. Бузуқ автомобилни шатаккламоқ. Баржани шатаккламоқ. Қолоқ цехни шатаккламоқ.

**ШАТАКЛАНМОҚ** шатаккламоқ фл. маъж. н. Шатакланган машина.

**ШАТАКЧИ** 1 Шатакка олувчи; қўшилиб тортиб борувчи. Шатакчи кема. Шатакчи от.

2 кўчма Ёрдам берувчи, кўмаклашувчи. Шатакчи бригада.

**ШАТАЛОҚ**: шаталоқ отмоқ 1) орқа оёқларини баравар кўтариб тепинмоқ; тепиниб югурмоқ; ўйноқлаб чопмоқ (от, мол каби хайвонлар ҳақида). От шаталоқ отиб қочди. — Эшак.. бир шаталоқ отиб, йўртишига тушиди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Сигир қўрққанидан шаталоқ отиб, жар томонга қараб қочди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси; 2) сакраб-сакраб югурмоқ, ўйноқлаб чопмоқ (бола ҳақида). — Амаким келдилар, амаким! — деди.. Адҳамнинг кенжастойи Рустам ва яна шаталоқ отиб кўчага югуриб чиқиб кетди. Х. Зиёнонова, Биринчи мактуб; 3) бирданга қочиб қолмоқ, орқа-олдига қарамай ура қочмоқ. Сизга қойилман, .. бойваччалариниёз ҳаммаси шаталоқ отиб қочди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШАТИЛЛАМОҚ** ай. шатирламоқ. У яна олдинга интилиб, шатиллаганича юриб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ШАТИЛЛАТМОҚ** шатилламоқ фл. орт. н. [Икромжон] аламига чидаёлмай пешанасига шатиллатиб ураверди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ШАТИР** тақл. с. 1 Қуруқ шох-шабба, қамиш кабиларнинг ҳаракатга келишидан ҳосил бўлган товуш.

2 Уйлаб ўтирмай, дабдурстан, тўсатдан. Опаси кўп кулар, ҳар ишни тез ва шатир, беҳўжият қилар, шунинг учун ҳам уйда бирор идиш-товоқ синса, албатта ундан кўришар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШАТИРА-ШУТУР** ай. шатир-шутур. Унинг [момақалбиороққини] кети-дан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатира-шутур дўл уриб берди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШАТИРЛАМОҚ** 1 «Шатир» этган овоз чиқармоқ; «шатир-шутур» қилмоқ. Қуруқ ўтин шатирлаб ёна бошлади.

2 с. т. кўчма Жадал ёки шиддат билан ҳаракат қилмоқ; шахдам одим отмоқ. Қирқ йигит тўп бўлиб, шатирлаб, бирдан келиб қолди. «Хуш-келди».

**ШАТИРЛАТМОҚ** 1 шатирламоқ 1 фл. орт. н. Майнанинг тасавурида кийиклар галаси пайдо бўлди. У тош, шаталларни шатирлатиб, ҳозир ён-бошидан югуриб келишини, улардан семизгинасини отиб олишни истади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Шиддат билан ёғмоқ (ёмғир, дўл ва ш. к. ҳақида). Солдат, офицерлар эртаги жангга тайёргарликни кўраётганда — эрталаб ёмғир шатирлатиб турганди.

А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 кўчма Бирор иш-ҳаракатни шошилич равишда, жадал бажармоқ. Олма-ларни шатирлатиб узмоқ. — Шатирлаб кўксултонни қираётган Турғун жим бўлиб қолди. Ойбек, Болалик.

**ШАТИР-ШАТИР** шатир с. тақр.— Юнусободга ўтдим. Дарахларнинг шовуллаши, қамишларнинг шатир-шатири ваҳимани боран сайин оширади, лекин отни қамчилайман, тезроқ бирор чойхонага етиб олишни мўлжаллайман,— деди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**ШАТИР-ШУТУР** 1 ай. шатир-шатир. Шатир-шутур қилмоқ (втмоқ). Ўрик шохлари шатир-шутур сиғиб тушиди. — [Саидхон] имгичка, оппоқ бармоқлари билан чўт доналарини шатир-шутур тез қоқди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. Милтиқларнинг оғзидан чиққан оловдан чўшдим, ҳайтовур, биздан уч-тўрт қадам наридан маккажўхорини шатир-шутур қийратиб [тўнғиз] учиб ўтиб кетди. С. Анорбоев, Оксой.

2 рви Шиддат билан, кучли равишда (ёмғир, дўл кабининг ёғиши ҳақида). Ҳозиргина янаб турган осмонни бир зумда қўрғошидек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 рви Тезлик билан, хаш-паш де-гунча. Шатир-шутур иш қилмоқ. Хатни шатир-шутур ёзиб ташламоқ. ШАТМОҚ диал. Қирлик, ифлослик; қасмоқ. Шатмоғи чиққан бола. || Анови яланғоч шатмоқ бола энди бир мирини тангадан ажрата бошлаган чоғи, сочи бўйра-бўйра йиғитча [Латифжоннинг] эса студентлик чоғи. С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

**ШАТРАНЖ** [ф-т<ҳинд] 1 Шахматга ўхшаш қадимий ўйин. [Навоий].. қип-қизил туркман гилми устида сочилиб ётган шатранж доналарини йиғиштирди. Ойбек, Навоий.

2 ай. шахмат 1.

**ШАТТА** 1 Тепиб бериладиган зарб, тепки; тарсаки, шапалоқ. Шатта отмоқ кейинги икки оёқ билан тепмоқ, тепинмоқ (от, мол ва ш. к. ҳақида). Шу пайт от сўнани кўриб шатта отди. Сидиқжон худди от олиб қочади-гандай, ваҳима билан ўзини эгарга отди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 кўчма Қилмишига кўра бериладиган зарба, дашном, сазо, жазо. Шатта емоқ 1) тепки емоқ; тарсаки ёки шапалоқ емоқ; 2) сазо бўлмоқ, уялиб қолмоқ. Шарму ҳаёсиз бўлсанг, ҳар ерда ерсан шатта. Маъқул, билимдон бўлсанг, иззат-ҳурматинг катта. Мақол. — Бирок Назирий гапига яраша шатта ейди. К. Яшин, Ҳамза.

**ШАТТАКИ** с. т. Шартаки. Шаттаки одам.

**ШАТТАКИЛИК** шаттаки с. белги оти. Саари хола оёсининг хафалигини бир оз ёзиш учун пийнаслаб гапир

кетди. Шаттакилигим ўлсин оёсин, гапиравераман. Аслида ўзи шу яхши. Р. Файзий, Қайнана.

**ШАТТАЛАМОҚ** ай. шатта отмоқ қ. шатта 1. [Майсара:] Ўғридан қочиб кўйдим, дейман. Лекин келиб бундоқ кўйруғиниёзган ушласа, «моо» деб қўясиз-да, шатталайсиз! Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ШАФАҚ** [а] Кун чиқиш ёки кун ботиш олдиндан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик. Шом шафақи ёлқинланмоқда. — Поёдиннинг лабларида ҳали ҳам эрталабки шафақни эслатувчи равшан табассум кўриниб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кеч кириб, уфқдаги лоларанг шафақ ўчди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. Гўзаллиги гулга баробар, Шафақлар-ла очилар саҳар. Х. Расул.

**ШАФАҚЛАНМОҚ** Шафақ билан қопланмоқ, қизармоқ. Осмон тез тинчиди. Бир неча вақтдан кейин гарб тарафда осмон, худди кун ботиш вақтидаги каби, шафақланди. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ШАФАҚРАНГ** Қизил рангли, лоларанг. Байроғи шафақранге лаби лолга ҳамжис, Гул-гул очилиб, у юзи гулдор ўтажандир. С. Абдулла.

**ШАФЕ** [а шафе, 3-ш. бирл. шафеи] эск. Бировга ён босувчи, ҳомийлик қилувчи; ҳомий.

◆ Анқога шафе қ. анқо.

**ШАФЕИ** қ. шафе.

**ШАФЕЛИК** шафе с. маъ. от. Барога шафелик қилмоқ.

**ШАФИҚ** [а] 1 Бировга меҳрибонлик қиладиган, шафқатли, мурувватли. Ғурбатда ғариб шодном бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Навоий.

2 Шафиқ (эркаклар исми).

**ШАФОАТ** [а] 1 Қўллаб-қувватлаш, ҳомийлик, яхшилик. Шафоат қилмоқ. — [Қарим:] Шафоатиниёздан ноумид қилманг, пири! Н. Сафаров, Шарқ тонги. Бу бир азизнинг шафоати билан бўлган боғ. «Ёдгор».

2 Шафоат (хотин-қизлар исми).

**ШАФТОЛИ** [ф-т] 1 Иссиқ жойларда, жанубда ўсадиган, пушти гулли, узунчоқ баргли, йирик, юмалоқ мевали дарахт. Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолиннинг сап-сарик яроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шафтоли гули 1) шафтолининг гули; 2) шафтоли гуллаган пайт, мавсум; 3) оч қизил, пушти.

2 Шу дарахтнинг кўпинча пушти тукли, данаги ғадир-будур бўладиган, сер эт, сершира меваси. Анжир шафтоли. Зарғалдоқ шафтоли. Луччак шафтоли. Шафтоли мураббоси.

◆ Шафтоли қоқмоқ жуда совуқ еб кетмоқ, совуққа қотмоқ.

**ШАФТОЛИЗОР** [ф-т] Шафтоли экилган майдон. Шафтолизор боғларни кўрдим, Гул кўқарган тоғларни кўрдим. Х. Олимжон.

**ШАФТОЛИХУР** [ф-т] Қизилиштов-

лар оиласига мансуб Марказий ва Жанубий Америкада яшовчи мевахўр йирик қуш.

**ШАФТОЛИҚОҚИ** Данагини олиб ташлаб қуритилган шафтоли.

**ШАФФОФ** [а] Еруғлик ёки нурни яхши ўтказадиган; тиниқ. *Шаффоф сув. Шаффоф шиша. Шаффоф қоғоз.* — Арчазорлардаги қор запаслари қуёш айна қиздирган пайтларда .. эрий бошлайди .. кўзи бекилиб қолган эски булоқлардан сув отилиб чиқади ва янги шаффоф булоқлар пайдо бўлади. М. Исамухамедов, Яшил бойлигимиз. *Она шишадан култ-култ қуйиладиган шаффоф майға кўз қирини ташлади-ю, яна бир қадаҳ сўрашга ийманди.* О. Ёқубов, Ларза. Қалн ўрмон ичидан ёриб ўтган бир тутам нур оқ қайинни еўё ичидан ёритгандай шаффоф қилиб кўрсатар эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. | Ниҳоятда тиниқ, тоза, мусаффо. *Осмон гумбази артилган шишадек шаффоф. Саратоннинг саҳий қуёш гулшан диёр узра олтин сепини ёйган.* Ҳ. Тожибоев, Жасур киз қишлоғида.

**ШАФҚАТ** [а] Бирор кимсага ачиниш; аяш; раҳмдиллик, меҳрибонлик; раҳм. *Табиатдан шафқат кутуши мумкин эмас.* И. Раҳим, Ихлос. [Жамила:] *Мен сизнинг чўринеизман, шафқат қилинг, бу йигит менинг ҳаётим, борлигим, ундан жудо бўлсам менинг ўлганим!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Мухтарам оналарнинг иссиқ меҳру шафқати, Не-не стук кишининг хонасини ёритди.* Зулфия. *Дарёларни буриб, яратиб ўрмон, Ужар табиатдан кутмаймиз шафқат.* Х. Расул.

**ШАФҚАТЛИ** Бировнинг ҳолига ачиниб, унга ёрдам берадиган, шафқат қиладиган, раҳмдил; меҳрибон. *Шафқатли киши.* — Далалар шафқатли онадай бағрини кенг ёзиб: «Кел, дўстим, ишла, меҳнат қил, ноз-неъматларимдан баҳраманд бўл!» дейди. Н.Мақсудий, Умидли бола. *Болаларнинг бахти учун камбағал эр билан бирга ишлаб, тиниб-тинчиманган .. шафқатли она!* Ойбек, Қутлуг қон.

**ШАФҚАТСИЗ** Бировга ачинмайдиган, аямайдиган, раҳм қилмайдиган, раҳмсиз. *Шафқатсиз одам.* || *Шафқатсиз танқид қилмоқ. Шафқатсиз саваламоқ.* — *Область комитети .. коммунистларни камчиликларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни таъмин этади .. «КПСС Устави».* Қим у, нима у севги билан мастўд, севги билан хушнуд дилларни шафқатсиз нимталаган, қон тизғитиб тилдалаган? М. Исмоилӣ, Фаргона т. о.

**ШАФҚАТСИЗЛИК** шафқатсиз с. белги оти. *Шафқатсизлик қилмоқ.* — *У [полиция бошлиғи] кўрқоқлигини ҳам, шафқатсизлигини ҳам ширин-шакар гаплари билан яшириб юрадиган, новча, өзгич одам эди.* А. Мухтор, Чинор.

**ШАХДАМ** Тез ва ишонч билан қилинган, қатъий, жадал. *Шахдам қа-*

*дам.* — *Адолат эрининг юзларига қарашга ботинмай, боққа чиқадиган эшик томон юриди ва шахдам қадам ташлаб далага жўнади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тамара шахдам ҳаракат қилди, аёлниг ёнбошига ўтиб, ёнидан юзга кўз қирини ташлади.* М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

**ШАХС** [а] 1 Жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. *Нотаниш шахс. Тарихий шахс. Шахсга сиғиниш.* — *Ирқий ёки миллий ортиқликни .. тарғиб қилувчи шахслар қонунга мувофиқ жазоланади.* «ЎзССР Конституцияси».

2 Бирор кишининг ўзига хос бўлган, индивидуал хусусиятлар мажмуи; характер. *Кўп турли қобилиятларни ўз шахсида гоят кўркам жам қилган.* Ойбек, Навоий. — *Ҳар нарса дейишинг мумкин, аммо ўзингдан катта одам шахсини ҳақорат қилишга ҳаққинг йўқ!* — *деди Умид, ўша шкки ёноғи бўртиб чиққан одобсиз йигитга.* Мирмуҳсин, Умид.

3 грам. Фель формалари, кишилик олмошлари, шунингдек эгалик ва нисбат қўшимчалари орқали ифодаланувчи грамматик категория, мас. «мен» биринчи шахснинг бирлиги, «биз» эса кўплигидир. | Гада фикр қаратилган кимса ёки нарса; субъект. *Шахси топилмаган гап. Шахси умумлашган гап. Фельларни шахс ва сонда тусламоқ.* — *Эгасини аниқлаб бўлмайдиган гаплар шахси номаълум гап деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиғи».

**ШАХСАН** [а] ривш Ҳар бир шахснинг ўзи (ўзим, ўзинг, ўзи ва ш. к.). *Шахсан мен бунга қаршиман. Бу ҳақда сиз, шахсан, қандай фикрдасиз?* — *Практикум, минимум, максимум булар ҳўммаси латинча ёки латинчага яқин сўзлар.* Мен, шахсан, шундай деб биламан. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

**ШАХСИЙ** [а] Шахснинг ўзига тегишли бўлган, шу шахснинг ўзи фойдаланадиган; хусусий, индивидуал. *Шахсий мулк. Шахсий кутубхона. Шахсий жавобгарлик. Шахсий манфаатларни жамоат манфаатлари билан бирга қўйиб олиб бормоқ.* — *Халқ хўжалигининг ҳар қандай йирик соҳасини шахсий манфаатдорлик асосида қурмоқ керак.* В. И. Ленин, Янги иқтисодий сиёсат ва сиёсий оқартув муассасаларининг вазифалари. | Бирор шахснинг ўзи учун белгиланган, ўзи учун хизмат қиладиган. *Шахсий котиб.* — *Зала, бирдан ўн нафар амирининг шахсий соқчилари киришди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. — *Иккинчидан, шуну эсдан чиқармаслик керакки, мактаб масаласи менинг ҳам, Дўстатовнинг ҳам, ҳеч кимнинг шахсий иши эмас. Бу халқнинг иши,* — *деди Абдурашул. П. Турсул, Ўқитувчи. Шахсий пенсия* хизмат кўрсатган айрим шахслар учун белгиланган юқори даражадаги пенсия. *Шахсий пенсионер* шундай пенсия оладиган киши. | Бировнинг ўзида (ўз характерида, феолия-

тида) бўладиган, ўзига ёки ўз шахсига хос. *Шахсий тажриба. Шахсий мулоҳаза.* — *Кандидатлик стажин.. партия ташкилотига кандидатнинг шахсий сифатларини синдиш имкониятини бериш учун зарур.* «КПСС Устави». *Шахсий варақа* бирор жойда ишлайдиган ёки ўқийдиган одам ҳақидаги маълумотлар ёзиладиган ҳужжат.

◆ **Шахсий состав** бирор корхона, муассаса, ҳарбий қисм ва ш. к.да ишлайдиган, хизмат қиладиган кишилар состави.

**ШАХСИЯ** [а]: *манфаати шахсия эск. кт. шахсий манфаат.* — *Бас, айб қипчоқда эмас, балки ўзининг манфаати шахсияси йўлида иш кўрвчан бошлиқларида,...* — *деди [Ҳожи] ва ўрнидан турди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ШАХСИЯТ** [а] 1 Маълум хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи шахс, одам. *Мен одамман, мен борман, ўзимга яраша бир дунёман .. иштаймани, ўзлимни, ўз шахсиятимни ҳис этсам.* А. Мухтор, Чинор.

2 Ўз қадр-қимматини сезиш, уни ҳурматлаш ҳисси, иззати нафс; нафсоният. — *Шахсиятга тегиб бўлмайди, кишини қайсар қилиб қўйиш мумкин.* И. Раҳим, Ихлос.

**ШАХСИЯТПАРАСТ** [а+ф-т] Ўз шахсиятини, қадр-қимматини бошқалардан юқори кўядиган; фақат ўз манфаатини ўйлаб иш тутадиган; худбин, эгоист.

**ШАХСИЯТПАРАСТЛИК** шахсиятпараст с. белги оти. *Ватанизмнинг тақдири қил устида турган бир пайтда, совет кишиларининг бошига оғир кулфатлар ёғилган бир вақтда, ўз оиласининг ғамини ёйиш ва ўз оиласининг хуни учунгина жанг қилиш, албатта шахсиятпарастлик бўлади.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

**ШАХТ** 1 Бирор иш-ҳаракатни бажариш, қилиш учун фавқулодда ғайрат билан интилиш, жон-жаҳд билан киришув, ғайрат; жўшқинлик; авж. *Сен ўзинг ҳам кўзгуа боқчи, Қирчиллама шахтинг қолмаган. Умр деган эски қароқчи, Эр киши деб сийлаб қўймаган.* Шукрулло. — *Ҳе, бировни орқасидан масҳаралаб нима қиласан!* — *деди Қудрат Аҳмаднинг шахтини кесиб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Шахтидан қайтмоқ** (ёки тушмоқ) 1) жон-жаҳди билан киришган иш-ҳаракатни бажаришдан тўхтамоқ, ўзини тиймоқ; авжидан тушмоқ, хафсаласи пир бўлмоқ, тинчиб қолмоқ. [Терим агрегатини] *ишлатишга авваллари ўжарлик қилган кишилар ҳам шахтидан туша бошладилар.* Ш. Тошматов, Машинани эгалланг; 2) ғазабдан тушмоқ, ювоти, мулоийм бўлиб қолмоқ. — *Ҳай, ҳай, бу шахтингиздан қайтинг, унақа бераҳм бўлманг!* — *деди ялинган бўлиб Ҳамдамов Латофатхонга.* Ғайратӣ, Довдираш. *Эраш ака аввалги шахтидан тушди.* Н. Сафаров, Қахрамон-

нинг туғилиши. **Шахтини қайтармок** 1) астойдил киришилган иш-ҳаракатдан қайтармок, ҳафсаласини пир қилмок, кўнглини совутмок. [Умурзоқ:] *Майли, болакайларнинг шахтини қайтарма, ҳарна ёрдам беришгани.* «Хайт» деган тўғма мадор. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) ғазабдан туширмак, мулойим, ювош қилиб қўймок. *Тантубойвачча Йўлчининг шахтини қайтариш ва ўзига муте қилиб олиш ниятида, унга пул узади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Бирор ҳодиса ёки жараённинг энг кучайган, авжига чиққан пайти, юқори нуқтаси, юксак даражаси, авжи. *Совуқ шахтидан тушиди.* — *Дайди шомол энди шахтидан қайтиб дарахт япроқларини машаққат билан тебратмоқда.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Теварақда одамлар ва қушларнинг садолари янграйди.* Иссиқнинг шахти қайта бошлаган. Ойбек, Нур қидириб. *Фароғат қадам ташлар, совуқ шахтидан қайтиб, қорлар эрирди.* Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси.

3 *рзв* Бирдан, шартга, дадил. [Умаркул] *бир минутлар чамаси этиб қолди.* Бирданига юраги ҳовлиқиб, шахт ўрнидан туриб йўлга тушиди. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдир. Наимий .. *нима бўлса бўлди дегандай, шахт кўтарди, лекин қўли қалтираб винонинг ярми тўкилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ғофир машинадан шахт тушиб, катта кўк дарвозага яқинлашди ва кнопкани босди.* Қ. Маҳсумов, Мухаббат қўшиғи.

**ШАХТА** [р<нем] Ер остидаги фойдали қазилмалар қазиб олинган жой; кон. Тошқўмир шахтаси. *Шахта ускуналари.* — *Шахталарда шахтёр шиддаткор .. Бошда каска аскарний тахлит.* Гард-қурума беланиб, бедор... *Қўмирларни қулатар яхлит!* Е. Мирза.

**ШАХТАМ** с. т. Шахдам.

**ШАХТАЧИ** с. т. Шахтёр.

**ШАХТЁР** [р] Шахтада ишлайдиган киши; кончи. *Шахтёрлар посёлкаси.* — *Шахтёрман, ер таги коним, маконим.* Шайхзода. *Саидийни рабфакда ўқийдиган қўпол, йўғон гавдали, ноचा бир шахтёрга боғлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ШАХТЁРЛИК** шахтёр с. касб оти. — *Ҳамма ёғим куя ва қурум, Шахтёрликнинг ажиб ғашти бор.* Пахта, ғалла, пўлат сингари, Она юртга кўмир ҳам даркор. Е. Мирза.

**ШАША** Сийрак тўкилган, сийрак (юпка мата ҳақида). *Шаша дока.*

**ШАШВАР** [ф-т] айн. шашвар. Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни озоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар. А. Қодирий, Утган қунлар.

**ШАШКА** I [р] 64га оқ ва қора катлаки тахтада 12га оқ ва 12га қора доналар билан маълум қоидага му-

вофиқ ўйналадиган ўйин. *Шашка тахтаси.* *Шашка донаси.* *Шашка ўйнамок.* Халқаро шашка 100 катлаки тахтада ўйналадиган шашка тури.

**ШАШКА** II [р] махс. Пресслаб тайёрланган портловчи моддадан иборат тахтача, плитка. *Портловчи шашка.*

**ШАШКАЧИ** Шашка ўйнайдиган одам. *Шашкачи пионерлар.* — *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар билард ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжма.* И. Раҳим, Ихлос.

**ШАШЛИК** с. т. Қабоб.

**ШАШМАҚОМ** [ф-т+а] муз. Ўзбек-тожик халқларида: олтига йирик мақомни (Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ироқ мақомларини) ўз ичига олган классик мусиқий-вокал асар. *Классик музикамиз мероси — шашмақомни тўла грампластинкага ёзиб олиш, шубҳасиз, ғоят мураккаб иш.* С. Кароматов, *Классик меросимиз халққа.* Юсуфжон қизиқ шашмақомларни, яъни йилнинг тўрт фаслига мосланган пэмаларни ҳам яхши биларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ШАШПАР** [ф-т] тар. Ўчига юмалоқ ва гадир-будур темир ўрнатилган таёқ, узун дастали енгил гурзи, чўқмор. *Бочков .. қўлданги .. шашпар билан қилиб ўйнатиб турган қароқчининг калласига туширди.* М. Осин, Элчлар.

**ШАШТ** с. т. Шахт. [Маҳкам] *чоршанба кунни барақат туриб, ясаган асбобларини кўтариб, тақачиликка — бозорга отланганида.* Аҳмад ака «*ғудаклик қилма*» деб койиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, ўғлининг шахтини қайтаришини истамади, ётиғи билан гапирди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. — *Энди уйингизга машина юбормоқчи бўлиб турган эдим, — деди сал шахтидан тушиб Назира.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

**ШАШҚАТОР** [ф-т+а] Тинмай оқадиган, дув-дув тўкилиб турадиган; қатор-қатор (кўз ёши ҳақида). *Ошнолардин кечиб, беоналарга ёр-ёр, Бу аламларга чидолмай, кўз ёшимдор шашқатор.* Муқимий. *Дилдорнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди.* Унинг бир неча тожмиси хатга тушиди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ШАШҚОЛ** [ф-т] Текис ерга ташлаб ўйналадиган, куб шаклидаги, холли тош; кубик. *Қаландар уни кўрса ҳам, ўзини кўрмасликка солди, кичикроқ халтадан икки-уч қулоч арқон, кўк рўмол, қиморбозларнинг шашқолига ўхшаш тошларни олди.* «Шарқ юлдузи», 1965, № 6.

**ШАЪБОН** [а] Қамария йилида саккизинчи ойнинг номи.

**ШАЪН** [а] I Юксак инсоний фазилат, қадр-қиммат; яхши ном; обрў. [Асад] .. *белимда белбоғим бор, бунақанги сатанг гап шаънимга тўғри келмайди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон извдан. — *Бекор гап, деди Ўзбек ойим, — ҳали қудаларимизни мудоадага-*

*дек сийлай органимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсак бизнинг шаънимизга яхши эмас.* А. Қодирий, Утган қунлар.

2 Донг, шуҳрат; шавкат. *Оҳангарон катта сув, Олма гулида тошар. Қанал қазиган қизлар Меҳнатда шаъни ошар.* «Қўшиқлар»: | Фаҳр, ғурур. — *Сиз батальонимизнинг шаъни, — деди комбат ҳаяжон билан, — полкимизнинг обрўси.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 (фақат ж. к. ф-да) Бирор кимса ёки нарсанинг мақтовига бағишлаб, уни эъвозлаб, унинг шарафига. *Пахта усталари шаънига ёзилган қўшиқ.* — *Зиёфатда Салимхон Обидий шаънига ажойиб сўзлар айтиш авжига чиқди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бўтабой аканинг уйда кичикроқ зиёфат берилиб, Сафаровнинг шаънига кўп яхши гаплар айтилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор кимса ёки нарсага қарата. *Шу улғ ишчида олақиллай дейман, Шаънига қўшиғим бағишлай дейман!* Шайхзода.

**ШАҚ** тақл. с. Қаттиқ урилишдан ҳосил бўладиган овоз ҳақида. *Қулф шақ этиб бекилди.* — *Йўлчи бир сакрашда эўравоннинг олдига борди, тўппонча тутган қўлни маҳкам сиқиб орқага қайирди. Тўппонча шақ этиб ерга тушиди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қудрат ҳам унга тақлид қилди-ю, шошилиб, панд еб қолди.* Қўзибойнинг бемўлжал отган тошини сакраб иламан деган ерида шақ этиб тушириб юборди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШАҚАЛ** [ф-т] айн. чиябўри. *Ичарми қонлардан май қона-қона? Улакка изларми шақал кундуз кун?* Миртемир. *Тулки, шақал еб кетади гўшинени, Шакарни куйдирди сенинг нолишинг.* «Ширин билан Шакар».

**ШАҚАТУЛ** с. т. Ўйлаб, мулоҳаза юртиб иш тутмайдиган, ҳавойи, ҳовлиқма. *Шақатул одам.* || *Шаҳарнинг эндиги кунни шундай энтак-тентак, шақатулларага қолдими.* «Муштум», 1924, 24 апрель.

**ШАҚАШУЛДУР** с. т. Оқ кўнгли, кўнгли очиқ, дали-ғули. — *Э, овораси бор эканми? — шақашулдур йигит йўл-йўлакай .. бирталай нарсаларни гапириб берди.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

**ШАҚИЛДОҚ** I айн. шикилдоқ. *Чақалоқнинг шақилдоғи.*

2 эск. Тунги қоровулнинг кескин силкитганда шақиллаб овоз чиқарадиган ичи ўйиқ ёғоч асбоби. [Йўлчига] *хуштак, шақилдоқ чалган танҳо қоровул кўлкалари унда-мунда учраб қолар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *кўчма* айн. қақилдоқ. *Эртасига улар уруғларидаги Саври шақилдоқ деган хотинни айтиб келиб, кинна солдиришди.* Мирмуҳсин, Умид. — *Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ бўйинингни узаман, — деб ўшиқирди амакиси.* — *Қоч, яшимагур, қоч!* — *деб такрорлади шақилдоқ келинойиси.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШАҚИЛЛАМОҚ** I «Шақ-шақ» эг-

ган овоз чиқармоқ, шарақламоқ. Қов-  
жироқ кўкнорлар худди пуч ёнғоқдай  
шақиллади. О. Ёқубов, Ларза.

2 Каттиқ овоз чиқармоқ, бақир-  
ламоқ. Тозагул шақиллаб қайнаб тур-  
ган мис самоварни кўтариб кирди.  
Х. Фулом, Машғал. Олов четиса қўйил-  
ган қора қумғон шақиллаб қайнаб  
тошди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шақиллаб  
титрамоқ каттиқ титрамоқ У безгак  
тутган кишидек шақиллаб титради.

3 кўчма Каттиқ овоз чиқариб тўх-  
товсиз гапирмоқ; шанғилламоқ. Ой-  
замол айтди: — У зшонингизни га-  
пирманг. Жағи қурушиб қолган, ша-  
қиллаб ҳеч кимга гап бермайдиган  
бало эди-да. «Ёдгор». Бу хотин ша-  
қиллаб [беморга] далда берарди. Мир-  
мухсин, Умид.

**ШАҚИЛЛАТМОҚ** шақилламоқ 1, 2  
фл. орт. н. Чўтти шақиллатмоқ.  
Бармоқларни шақиллатмоқ. — Бек-  
темирнинг жуда отеиси келди. Мил-  
тиқни ени билан артиб, пуфлаб,  
затворини шақиллатиб ҳам қўйди.  
Ойбек, Қуёш қораймас. [Ҳайитжон:]  
Қайси бир тўй, мажлисга борса, ўй-  
нашга теккан деб юзига шақиллатиб  
таъна қилишади. Ҳамза, Паранжи  
сирлари.

**ШАҚИЛЛАШМОҚ** шақилламоқ фл.  
бирг. н. Шақиллашиб сўзлашувларни,  
қаҳ-қаҳ уриб кулишувларни бир да-  
қиқа канда этиб тек қолган олтиши  
минг меҳнат аҳлига, .. «Мен ўзбек  
қизиман» ашуласини айтивчи аёл ман-  
зур ва тансиқ эди. С. Азимов, Оппоқ  
тонг кўшиғи.

**ШАҚИРЛАМОҚ** айн. шақилламоқ.  
Қўйларнинг туёқларига, жуниса ёпиш-  
ган лой музлаб, ёнғоқдай шақирлаб  
қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Ошхонада  
сарик самовар шақирлаб қайнаб ту-  
рибди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев,  
Оташ қалбли қиз.

**ШАҚИРЛАТМОҚ** шақирламоқ фл.  
орт. н.

**ШАҚИР-ШАҚИР** тақл. с. Тош-  
лар, темир парчалари ва ш. к.нинг  
бир-бирига урилиши ёки суоқликнинг  
қаттиқ қайнашидан ҳосил бўладиган  
товуш ҳақида. Ҳар ер, ҳар ерга гулхан  
қаланган, кийик ва қўй гўшти пиша-  
ётган мис қозонлар гўё меҳмонларни  
сабрсизлик билан кутаётгандек ша-  
қир-шақир қайнамоқда. М. Осим, Тў-  
марис.

**ШАҚИР-ШУҚУР** 1 айн. шақир-  
шақир. Бу эшикдан доим ундай оппоқ  
гард, ўнг эшикдан эса доим бир хил  
тинимсиз шақир-шуқур овоз чиқиб  
туради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. —  
Худди келишиб қўйилгандай, бир юк  
поезд шақир-шуқур қилиб ўрнидан  
қўзғалди, — деди Усмон. О. Ҳусанов,  
Кўшиқчининг тақдири. || Қилчлар-  
нинг шақир-шуқури, қийқир-қийқир овоз-  
лари ҳаммани уйғотиб юборди.  
М. Осим, Элчилар.

2 Ҳар хил майда-чуйда нарсалар,  
қақир-қуқур, лаш-луш. Шунча шақир-  
шуқурларни йиғиб нима қиласиз?

**ШАҚШАҚ** Чумчуқсимонлар тур-  
кумга мансуб ёввойи сайроқи қуш.  
**ШАҚ-ШАҚ** шақ с. тақр. Бармоқ-  
ларини шақ-шақ қилмоқ. Утинни шақ-  
шақ синдирмоқ. — Зумрад икки та-  
вақали ўймакор эшикнинг ҳалқасини  
шақ-шақ урди-да, астагина итариб  
очди. Ойбек, Улуг йўл.

**ШАҚШАҚАДОР** с. т. Турли-туман  
безакли, зийнатли, ҳашаматли, ҳа-  
шамдор. Дилшод янги саройни илгари  
ҳам бир неча бор кўрган эди. Шунинг  
учун унинг дабдабасига, қўйқават шақ-  
шақадор биносига, ҳаммаша қулфлоглик  
турадиган баланд темир дарвозасига  
энсаси қотмади. М. Исмоилий, Фар-  
гона т. о.

**ШАҚ-ШУҚ** айн. шақ-шақ. Шақ-  
шуқ чўт қоқилади. — Яроғ-аслаҳалар-  
нинг шақ-шуқ этгани эшитилди.  
М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**ШАҒАЛ** 1 1 Майда тош қатлами  
ёки уюми. Қудуқ уч метр қавланганда  
шағал чиқди. Шағал қазимок. — Шағал  
тўқилган янги йўлда пахта ортган юк  
машинаси тўхтади. С. Аҳмад, Қадр-  
дон далалар.

2 Қурилиш материали сифатида иш-  
латиладиган чақилган тош. Дилшод  
 завод саҳнида .. пала-партиш ётган  
ёғочлар, қурилиш ахлатлари, цемент,  
шағал, харсанг тошлар орасида ада-  
шиб қолишдан қўрққандек, бир чек-  
када анграйтиб туради. М. Исмоилий,  
Фаргона т. о. Шағал ётқизмоқ ерга,  
йўлга шағал солиб текисламоқ. Шағал  
ётқизилган йўлнинг икки четида ҳали  
усту ёпилмаган бир қаватли бинолар  
учраб туради. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ШАҒАЛ** II: шағал маст фольк. кай-  
фн баланд, ғирт маст. Бойсарибий бой-  
ваччалар билан қимиз ичиб, шағал маст  
бўлиб кайф-сафо суриб ўтириб эди.  
«Алломиш».

**ШАҒИРЛАМОҚ** «Шақир-шақир» овоз  
чиқармоқ; шақирламоқ; вағирламоқ.  
Шағирлайди бетиним дарё, Шағир-  
лайди ваҳм тўлган жар .. Шағирлайди  
води, даралар. Ҳ. Олимжон.

**ШАҲ** [ф-т] 1 Шаҳмат ўйинида бирор  
фигура билан бевосита рақибнинг шо-  
ҳига қилинган хужум. Доимий шаҳ.  
Шаҳ бермоқ. Икки шаҳ билан мот  
қилмоқ.

2 поэт. Шоҳ, подшо. Э шаҳ, карам  
айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини.  
Огахий.

**ШАҲАНШАҲ** [ф-т] айн. шоҳаншоҳ.  
Сиз шаҳаншаҳ, ўша соати музаффарни  
тайин айлаб, биз қулларига хабар юбо-  
рсалар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШАҲАНШОҲ** [ф-т] айн. шоҳаншоҳ.  
**ШАҲАР** [ф-т, 3-ш. бирл. шаҳри]  
Йирик аҳоли пункти; савдо ва саноати  
ривожланган маъмурий, маданий мар-  
каз. Марказий шаҳар. Янги шаҳар.  
Қаҳрамон шаҳар. Шаҳар совети. — Де-  
ворда осиглик Кавказ харитасидаги  
шаҳарларнинг номларини санаб чиқ-  
дим. Шухрат, Шинелли йиллар. Беш  
бармоқдай биласан аниқ Россиянинг  
шаҳар, қишлоғин. Учир, дўстим, па-

ровозингни, Қурилишлар кутмасин та-  
ғин. Ё. Мирза. Варишавкадан Қазъма  
томонга бир дивизия ўтди. Машина-  
ларда Франция шаҳарларининг ном-  
лари ёзилган. И. Раҳим, Чин муҳаб-  
бат.

◆ **Шаҳар бердим** топишмоқ ўйинида  
«тополмадим» ёки «енгилдим» маъно-  
сини ифодаловчи ибора.

**ШАҲАРЛАШМОҚ** 1 Шаҳарлик бў-  
либ қолмоқ. [Умурзоқбой] юртнинг  
ўрта қисм деҳқонидан чиқиб, шаҳар-  
лашган бойлардан, Тўлаҳоннинг ота-  
сидир. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 с. т. Шаҳар айланмоқ, шаҳарни  
кезиб чиқмоқ, шаҳарни сайр этмоқ.  
Агар вақтингиз бўлса, бир шаҳарла-  
шиб келардик.

**ШАҲАРЛИК** Шаҳарда яшовчи, ша-  
ҳарда истиқомат қилувчи. Болалар  
шаҳарлик меҳмонлар билан саломла-  
шиб, бир тутам бойчечакни Малоҳат-  
га тутдилар. И. Раҳим, Тинимсиз  
шаҳар. Отаси — шаҳарлик бир қосиб,  
деҳқонларча тағбир қилганда, «соя-  
парвар» бир одам. А. Қодирий, Обид  
кетмон. Сен жуда шаҳарлик бўлиб ке-  
тибсан! Шаҳардан кейин қишлоғимиз  
ёқмай қолдимиз? Уйғун, Навбаҳор.

**ШАҲАРНАМО** [ф-т] Шаҳарга ўх-  
шаш, шаҳар каби. Водийларимиздаги  
шаҳарнамо посёлкалар кўридан ил-  
ҳомланамиз. «С. Ўзбекистон», 1965,  
30 сентябрь.

**ШАҲАРСОЗ** [ф-т] Шаҳар қурилиши  
бўйича мутахассис, шаҳар қурувчи;  
архитектор. Яқинда Навоийда бўлиб  
ўтган шаҳарсозларнинг Бутунитти-  
фоқ конференцияси дашда қурилган  
янги шаҳарга юксак баҳо берди. «С.  
Ўзбекистон», 1968, 16 январь.

**ШАҲАРЧА** Шаҳарликларга хос.  
Бог бурчагидаги сўрида шаҳарча ки-  
йинган бир йиғит ўтирибди. А. Муқим-  
ов, Донийшанд.

**ШАҲАРЧА** 1 Кичик шаҳар. Туған-  
мас каби кўринган, иштиробли, суронли  
йўл кеча яқин шаҳарчага туташиди.  
Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бирор жихатдан бирлашган турар  
жой ва ёрдамчи бинолар группаси ёки  
шаҳарнинг алоҳида бир қисми. Ака-  
демик шаҳарча. Университет шаҳар-  
часи. Ишчилар шаҳарчаси. — Шербек  
турган жой баланд бўлгани учун ҳам  
бутун Академия шаҳарчаси кафтдай  
кўринади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШАҲАРЧИЛИК** 1 Шаҳарга хос  
ҳаёт. Бир ёни шаҳарчилик, яхши ки-  
йиниш керак.

2 салб. Ўз ҳамшаҳарларини қўллаб-  
қувватлаш, ҳамшаҳарларига ён босиш.  
Шаҳарчилик қилмоқ.

**ШАҲБОЗ** [ф-т] 1 кт. Шунқор; ло-  
чин. Улар [савдогарлар] Россиядан ўқ  
ўтмас, найза ботмас соювт, қалқон,  
қозон, иена, овга ўргатилган шаҳбоз-  
лочинлар ва ҳоказолар келтирар эдилар.  
М. Осим, Элчилар. Вири кўкда шун-  
қор ё шаҳбоз-лочин, Бири чегарада  
юрт посбони. С. Абдулла.

2 кўчма Мард, жасур йиғит. Табас-



сум этди ул ой юз, деди: — Аё шахбоз! Маҳоратинг ҳақи, мен ўзни меҳрибон қилдим! С. Абдулла. Омон-эсон бўлгин болам, Авазим, Муродим, мақсадим, туйғун шахбозим. «Хушкелди».

**ШАХВАТ** [а] Шахвоний ҳирс, ҳиснёт, Шахватга берилмоқ. — Муҳаббатнинг кўзига кўзи тушганда вужудда уйғонган ғалаёнини аниқ эслади: хайвоний ҳирс, шахват қонини қиздирган эди. С. Анорбоев, Оксой.

**ШАХВАТПАРАСТ** [а+ф-т] Шахватга берилган, шахвоний ҳисси кучли. Шахватпараст эркак.

**ШАХВОНИЙ** [а] Шахват ва шахватпарастликка оид, шахват билан боғланган. Шахвоний ишқ. Шахвоний ҳисса берилмоқ. — Раҳматилла Обидий ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, жуда-жуда ҳунук бир шахвоний жиноят қилиб қўйиб, беш йилга кесилиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШАҲД** [а] эск. кт. айн. асал.

**ШАҲД-ШАКАР**, шаҳду шакар Ниҳоятда ширин, тотли. Шаҳд-шакар лаб. Шаҳду шакар мевалар. — Ойжамол қизим, йўл бўлсин? Айтил, эрка кўзим, йўл бўлсин? Қайга бунча шошиб борасан, Шаҳду шакар сўзим, йўл бўлсин? Ё. Мирза.

**ШАҲЗОДА** [ф-т] 1 Шохнинг ўғли, шох насли. Уйлама, ўлғунча ҳар ким бу разолатда кетар, Шохлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзодадир. Ҳамза.

2 Шаҳзода (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ШАҲИД** [а] 1 Дин ёки мазҳаб йўлида ҳалок бўлган шахс. [Салохиддин:] Жангда ўлган шаҳид, ўлдирган ғозий, бун муслмонларга айтиши керак. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангирнинг буйруғи билан ажалларни етган бўлса, шаҳид бўларлар. Айний, Қуллар.

2 Ватан уруши учун ёки ҳаққоният йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам. Шаҳид дўстлари абадий маконда бемалол ётишлари учун [Бектемир] чуқурни кенг қазигса уринди. Ойбек, Кўёш қораймас. Ким бўлди бу Аргинбоев? Эҳтимол, қаҳрамонларча ҳалок бўлган, Улуғ Ватан урушининг шаҳидлари — мард лочинлардан биридир? «К. Ўзбекистон», 1959, № 211. Уйлаб-ўйлаб, ватан йўлида шаҳид бўлишга.. қарор бердим. Ҳ. Ғулум, Машъал.

**ШАҲИДЛИК** шаҳид с. мазҳ. от.

**ШАҲЛО** [а] 1 Порлаб, ёниб турадиган катта-катта, чиройли ва қора (кўз ҳақида). [Кумушнинг] камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсатган, бир оз бота тушган шаҳло кўзлар тагин ҳам тим қоралик, тагин ҳам нурлилик касб этган эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Зарофатнинг келишган қомати, .. пир-пир ўйнаб турадиган шаҳло кўзлари Хайдарни мафтун қилган эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Қоши қалам, кўзи шаҳлолардан, Ун саккиз баҳорни кўрганлардан ёзи Уйғун.

2 Шаҳло (хотин-қизлар исми).

**ШАҲМАТ** [ф-т] 1 64та оқ ва қора катакли тахтада 16та оқ ва 16та қора доналарни махсус қоидага мувофиқ ҳаракат қилдиришга асосланган ўйин. Шаҳмат мусобақаси. Шаҳмат тахтаси. Шаҳмат ўйнамоқ. Шаҳмат мусобақасида қатнашмоқ.

2 Кўчма Экинни далага худди шахмат тахтаси каби катак-катак қилиб экиш ва шу усулда экилган майдон. Шаҳмат усулида экиш. — [Комилжонларини] оғзидан «шаҳмат», «квадрат»; «илгор метод» деган гаплар тушмаяпти. И. Раҳим, Ихлос.

**ШАҲМАТЧИ** Шаҳмат ўйновчи киши. Шаҳматчи қизлар. — Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар бильярд ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжум. И. Раҳим, Ихлос.

**ШАҲНОЗ** [ф-т] 1 муз. Ўзбек халқ классик куйларидан бирининг номи.

2 Шаҳноз (хотин-қизлар исми).

**ШАҲОДАТ** [а] 1 кт. Гувоҳлик, шохидлик. Шаҳодат бармоқ. — «Эъти модлик бир кишининг шаҳодатига биноан тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек, бу кунда хонимизга қарши бош кўтарган Азиз парвоначи ва ўз отасининг ваколатлари билан келиб, бу ердаги фуқароларни ҳам хон жанобига қарши оёқлантирмоқчи бўлган». А. Қодирий, Утган кунлар. Айвоннинг палос ва асбобларида унча бойлик кўрилмаसा ҳам, пухта, овозда, чирк юқтирилмаган йўсинда йиғиштирилганлигидан эгасининг ринд табиати эканига шаҳодат бермакда эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Шаҳодат (хотин-қизлар исми).  
◆ Шаҳодат бармоғи эск. кўрсаткич бармоқ.

**ШАҲОДАТНОМА** [а+ф-т] 1 Бирор ўқув юртини тамомлаганик ҳақидаги расмий ҳужжат, гувоҳнома. [Мирғибс:] Шаҳодатномамни оламан-у, уйга жўнайман. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 Бирор фактни тасдиқлайдиган расмий ҳужжат; гувоҳнома. Мудира никоҳ шаҳодатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзига рўчка тутиб, қўл қўйдирди. Ҳ. Ғулум, Сенга интиламан.

**ШАҲР** [ф-т] айн. шаҳар. Чирчиқ шаҳри. Шаҳримиз меҳмонлари.

**ШАҲРИСАБЗИ** [ф-т] Узум навининг номи.

**ШАҲРИСТОН** [ф-т] тар. Шаҳар қалъаси; атрофи, истехком-қўрғонлар билан қуршалган шаҳар. Кўпгина шаҳарлар қўлдорчилик давридаги шаҳарлар ўрнида қад кўтарди, аммо янаи феодал шаҳрининг ўзига хос типни вужудга келди; буларда арklar, қалъалар, шаҳристонлар энди асосий роль ўйнамади. М. Аминжонов, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.

**ШАҲСУВОР** [ф-т] 1 Ҳашаматли ва дабдабали отлик; мохир чавандоз.

2 пост. Паҳлавон; баҳодир (севимли

ёр, маҳбубга нисбатан). Келар бўлсанг кел бахтингдан Ургилдай, шаҳсуворим. Э. Охунова.

**ШВЁД** қ. шведлар. Швед тили. Швед адабиёти. Швед аёли.

**ШВЕДЛАР** Швециянинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ.

**ШВЕЙЦАР** [р] Мехмонхона, ресторан, муассаса ва ш. к.ларнинг ташқи эшигида қоровуллик қилувчи киши. Бироқ, мен швейцар эмасманки, тўғри келган кишининг пальтосини ечиб, қўлига сув қуяверсам. «Муштум», 1959, № 7.

**ШЕВА** I [ф-т] I лингв. Умумхалқ тилининг маълум территорияга хос тармоғи, маҳаллий тил; диалект. Ўзбек тилининг Фарғона шеваси. — Турли шаҳар ва қишлоқлардан келганликлари турлича кийим ва шеваларидан билиниб турган ёш-ёш йигит-қизлар конференц залнинг ичи-сиртини тўлдириб юборган эди. П. Қодиров, Уч илдиш. Ўз қавмлари ва асл ўзбеклар бўлмиш қамишқапалликларни [домла] дағал ном билан таҳриқ қилар ва уларнинг шаҳарликларникидан анчайин фарқи бўлган шева тилларини масҳаралар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 айн. тил 3. Ўзбек шевасида шёвр ўқиларкан, Қалбларнинг қатъида ҳислар уйғонар. Ватан мақтовлари кириб қулоққа, Зал чайқалар — одам тўғри тўлганар. С. Акбарий, Афанди демак,— турк шевасида муаллим демакдир. Ҳ. Ғулум, Машъал.

**ШЕВА** II [ф-т] кт. I Ноз-қарашма, ишва. Бир шева билан жонон, девона қилиб кетди, Ақлмни сочиб ҳар ён, мастона қилиб кетди. Ҳамза.

2 Одат, равиш, йўсин; қонун-қоида, йўл-йўриқ. Қамтаринликни Ҳабибий, шева қил, Ҳам мулоим бўл момиқ парку каби. Ҳабибий. Сени ҳам дамиса тортмоқ бўлади Свези деб аталган бу эски шева. Ғ. Ғулум. Сен сўйладинг ишқ шевасин тонг чоқда, Баъзан қўшиқ тинглаб қолдим, ойли тунларда. Ғайратий.

**ШЕВИОТ** [р<инел] Устки кийимлар учун ишлатиладиган майин жунли газлама. || Шевичот костюм. — Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: ғарчи, ятироқ этик, шевичот шим, ипак кўйлак, .. ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган. А. Муҳтор, Чинор.

**ШЕВРО** [р<фр] Эчки терисидан хром билан ошлаб ишланган юмшоқ юпка чарм; шаброн.

**ШЕЗЛОНГ** [р<фр] Ярим ётган ҳолда дам олиш учун мўлжалланган очиб ёпиладиган ёзлик энгил кресло. Обиджон билан Ҳожар қиради, шезлонгга ўтиришади. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ШЕКИЛ** [а] с. т. Шекилли. Бойнинг йўлаб келишини уй ичлари эшитиб, улар ҳам «бир бало бўлди шекил», деб уйдан йўлаб чиқа бошладилар. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ШЕКИЛЛИ** кириш с. Фикрнинг гу-



мон, тахмин ёки тусмол билан айтилганни билдириб, «балки», «эхтимол», «...бўлса керак» каби маъноларни ифода қилади. *Мажлис бўлишини эшитмаган шекилли, у келмади.* — *Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади.* А. Қаххор, Минг бир жон. — *Мен дадангизни оз-моз биламан,— деди Ойқиз,— Олтинсойга яқинда келдинглар, шекилли?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қинога олишяпти, шекилли.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

**ШЕЛУХА** [р] Мағзи ажратиб олинган чигит пўчоғи (одатда молларга ем сифатида берилади). *Фарғонадаги собиқ «Гидролиз» заводи илгаридан шелухадан спирт ишлаб чиқариши билан шуғулланиб келарди.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 22 октябрь.

**ШЕР** [ф-т] 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб, қалта ва сарғиш юнгли (эркаклари эса қалин ёлли) йирик сугъмизувчи йиртқич ҳайвон; арслон, Овчининг зўри шер отади, деҳқоннинг зўри ер очади. Мақол. *Ўзини эр билсанг, ўзгани шер бил.* Мақол. — *Булар [уч оғайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди.* «Эртақлар».

2 *кўчма* Азамат, полвон, шоввоз (кўпинча йигитларга мурожаат қилинганда ишлатилади). *Бу ҳужжатни бутун раёonga тарқатмоқчимиз, шер, обрўйинг ошиб, чўққига кўтарилаётганингни биласанми?* И. Раҳим, Ихлос. — *Балли, шер, хатни қўлингиздан ким олди? — Бир чол.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Хар жиҳатдан етук, зўр, бақувват одам ҳақида. Эрга навбат, шерга навбат.* Мақол. — [Гули:] *Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер! Улуғ ишларни қилмоқ истаган эр. Уйғун ва И. Султон, Навоний. Шер юрак кўрқмас, ботир. Оқ ўтовдан нариқоқда чўққайиб ўтирган кишилар Широқни яқин танир, унинг қўбиз чалиб айтган достонларини кўп мартаба тинглаган, ўзи ҳам ўша достонларда мадҳ этилган шер юрак одамлардан бири эканлигини билар эдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ШЕРАНДОМ** [ф-т] Қадди-қомати шерга ўхшаган; шертахлит. *Шерандом бўйли қилчбознинг [Хусайн Бойқаронинг] бир вақтлар баҳодирона жусаси жуда заифлашган эди.* Ойбек, Навоний.

**ШЕРБАЧЧА** [ф-т] с. т. Кўрқмас, бақувват йигит; азамат; шоввоз. [Майсара:] *Икки шербачча икки ёнимда бўлгандан сўнг очликдан қўрқармуен.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Шу орада Бухоро амири шербаччалари кийимида иккинчи отлиқ етиб келади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**ШЕРЕНГА** [р<полякча] Кишиларнинг бир қаторда ёнма-ён туриш сафи. *Қаторлар-ла, Бригадалар-ла, Шеренгалар-ла, илгари!* Ғ. Ғулум.

**ШЕРЗОД** [ф-т] 1 Жасур, азамат

одам. *Дала гўзал. Унинг бағрида фидокорлик кўрсатаётган шерзодаларнинг нияти ундан ҳам гўзал.* Ғ. Акбаров, Ер очганинг бахти очилар. | *Хар ишга қодир, кучли, қудратли. Учай десам қанотим, Пўлат этакли отим, Жондан севган шерзодим, Хароратли машинам.* А. Пўлат.

2 Шерзод (эркаклар исми).

**ШЕРИК** [а] 1 Бирор иш-ҳаракатни бирга бажарувчи; ҳамкор. *Аҳмаджон шериги билан гранаталарни чоғлаб ҳаёт-мамот пайтини кутиб туришди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. [Қодирқул:] *Жим, аҳмоқ! Бойнинг бултур кузак бир қанча оти йўқолган. Икки минг сўм пули саройдан ўғирланган. Шуларни ҳам сен ўғирлагансан. Гапир, шерикларинг кимлар? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Тенг шерик қ. тенг. Шерикмисан, ҳаммолмисан? Бирор ишни бирга амалга оширишдан манфаатдор бўлган киши ёрдамлашмай қўйганда айтиладиган ҳазиломуз матал. Э, шерикмисан, ҳаммолмисан? Пуфласанчи! Ҳ. Шамс, Душман.*

2 Бошқаларнинг ғам-ташвишини бирга тортувчи, шодлигига қўшилиб бирга хурсанд бўлувчи; ҳамдард, ҳамдам, меҳрибон киши, дўст. *Йиғит бундай пайтларда севгилис Искандарони ёдларкан: «О, гўзалим, пок қалбли дўстим, ҳозир мен билан бирга бўлсанг шу мазлум деҳқонларнинг қайғусига шерик бўлардинг.»* дер эди. Ойбек, Нур қидириб. *Қишиларнинг .. ташвишларига шерик, ҳамдард бўлиш Лениннинг ажралмас хусусиятларидан эди.* «С. Ўзбекистони», 1968, 21 апрель. *Низомжон у ёқдан-бу ёққа юзуриб, радиода эшитган гапларини айттар, уларни ўз қувончига шерик қилмоқчи бўлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Ошна, улфат, ўртоқ. *Сараар, шеригининг чақир, ўқотганиб олинглар.* — *Шерик! Қани, нима гап .. деб сўради томошабинлар қаторида турган бир мулла.* Айний, Қуллар.

4 Бир хил гоё ёки сўбатни маъқуловчи; бирор соҳада бир-бирини қувватловчи, ҳамфикр, тарафқаш, ўртоқ.

5 с. т. Бир хил ёки бир жуфт нарсаларнинг ҳар бири. *Бу туфлининг шериги қани?* — *Бу қўйни олиб бориб шериги билан яна бир икки ой боқинг, йиғим-теримни олганимиздан кейин тўй қилмоқчимиз, шунда ўз қўлингиз билан сўйиб берасиз.* А. Қаххор, Қўшчнор.

**ШЕРИКЛАШМОҚ** Бирор иш-ҳаракатни бажаришда бошқа киши билан бирлашмоқ, бошқа кишига қўшилмоқ, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Шериклашиб ишлаганинг юраги шердай бўлар.* Мақол. — [Матқовул:] *.. ўзига ўхшатиб бирон яққа улов билан шериклашиб, ерга яқини ишлов бермоқчи, ҳосилни ҳам албатта, кўпроқ олмақчи эди.* М. Исмойлий, Фарғона т. о.

**ШЕРИКЛИК** 1 шерик 1—4 с. маъ. от.

2 Фойда ёки ҳосилни ўзаро тақсим-

лаб олиш, баҳам кўриш шарти билан бирор ишни бирга бажариш, бирга ишлаш. *Тенг шерикликда экилган ер.* — [Матқовул:] *Ўзининг ишга ярамаслигига узи-кесиля ишонгандан кейин, Салтонбу билан маслаҳатлашиб, ерни ўртоқларидан бирига шерикликка берди.* М. Исмойлий, Фарғона т. о. *Замонни кўриб турибсиз: биров учун биров тўртдан бирга эмас, шерикликка ҳам бир кетмон ўрмайди.* А. Қаххор, Қўшчнор. || *Қапсанчилар Баҳрордада собиқ батрак ва чоракордан ташкил топган бир колхоз борлигини, улар ер-сув, от-улов, асоб-ускуналарини ўртага солиб шериклик деҳқончилик қилишларини эшитган, лекин бу одамлар нима учун, нима мақсадда шу йўлга кирганларини билишмас, бунга биров чандон қизиққан ҳам эмас.* А. Қаххор, Қўшчнор.

3 Иштирок этувчиларнинг ҳаммасига тегишли, ўртадаги, умумий, муштарак. *Шериклик мулк. Шериклик ош. Шериклик ошини ит ичмас.* Мақол.

**ШЕРИКЧИЛИК** айн. шериклик 1. *Шерикчилик — бир йилчилик, қудачилик — минг йилчилик.* Мақол. — *Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликда қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ШЕРЛАНМОҚ** Ўзини баҳодир хис этмоқ; баҳодирона иш қилмоқ. *Эргашев шерланиб кетди. Сақраб бориб харсанг тошга ўрнашган немис пулеметини ўлжа қилди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. | *Кучаймоқ, чиранмоқ; туюқмоқ. Кайфи ошган Хотам шерланиб, мактабин гапира бошлади.* Мирмухсин, Умид. [Турсун:] *Ўтиб бораётган бир қизга гап ташловди-ку, ёнидаги йиғити эй, ўзини бос, кўтара олсанг, ич-да!* — деди. *Турсун қурғур шерланиб кетди.* М. Худойкулов, Оханграбо ахтариб.

**ШЕРОЗИЙ** [ф-т] Сурранг ёки кулранг жингалак жузли кўзичоқ териси, қорақўл терининг аъло нави. || *Шерозий пўстин, Шерозий ёқа.* — *Насл учун қолдирилган қумуш жило берувчи кўк шерозий, қоп-қора жингалак жузли арабий кўзичоқлар болишдай думбаларини селкилатиб, у ёқдан-бу ёққа чопишади.* С. Анорбоев, Ҳаракатда барака, Ўктам.. *шерозий қорақўл попоғидан қорни қоқиб-суқиб, Сайрамовнинг кабинетига кирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ШЕРОЛҒИН** Мураккаб гуллилар оиласига, эрманлар туркумига мансуб, баргида эфир мойи бўлган хушбўй зиравор ўсимлик.

**ШЕРСТЬ** [р] с. т. Жундан тўқиялган мата. *Бир костюмлик шерсть.* || *Шерсть пайтоқ.* — *Маҳкам эшикдан қараб, уни [Гавхарни] досканинг олдида кўрди: қизил шерсть кофта ва қадш этакли қора юбка кийган, битта қилиб ўрилган узун сочи бош орқа-*

сига лента билан бўйиб қўйилган. П. Қодиров, Уч илди.

**ШЕСТЕРНЯ** [р] Ҳаракат узатадиган, бошқа детални айлантирадиган тишли ғилдирак. *Конус шестерня. Цилиндр шестерня.* — Ҳаракатни тишли ғилдираклар ёки шестернялар ердани билан узатиш техникада жуда кенг миқёсда қўлланилади. «Физика».

**ШЕФ** [р<фр] 1 Бошлиқ, раҳбар (бўйсунувчи, тобе кишиларга нисбатан). *Шеф билан ишлаб ҳам уйда қилолмаётирсизми? А. Қаҳҳор, Сароб. Қўл остида шилочилар Ўз авлоди ҳаммаси, Шефи — почта, тоға — кассир, Офицантка — аммаси. «Мустум», 1961, № 9.*

2 Бирор муассасани (колхоз, совхоз ва ш. к.) оталиққа олган ташкилот.

**ШЕФЛИК** айн. оталиқ 1. Шефлик қилмоқ. — Ўзим талаб қилиб янги-қадан икки кишининг шефлигини олдим. А. Қаҳҳор, Сароб. Чўчқа фермасини комсомоллар шефликка олди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШЕФ-ПОВАР** [р] Бош ошпаз, ошпазлар бошлиғи. *Ҳа, шошманг, яхши қиз, шеф-поварингизга айтиб қўйингки, бизга пивэни алоҳида, содеч қилиб тўғраб берсин. О. Ёқубов, Учрашув.*

**ШЕЪР** [а] Маълум вазн ва қофияли кичик бадиий асар. *Аруз вазнидаги шеър. Бармоқ вазнидаги шеър. Лирик шеър. Эркин шеър. Шеър билан ёзилган роман. Ғафур Ғулом шеърлари.* — *Хат конвертга тушаётганда, Нормат унинг охирига яна икки мисра шеър ёзиб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Оқ шеър айн. сочма шеър қ. сочма 3. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси оқ шеър билан ёзилган.*

**ШЕЪРИЙ** [а] Шеър билан ёзилган. *Шеърый асар. Шеърый мактуб.* — *Ям-яшил воҳаларга, Бадиий лавҳаларга, Шеърый сарлавҳаларга, Бой эканси Фарғона. Шайхзода.*

**ШЕЪРИЯТ** [а] 1 Шеърый асарлар мажмуи; поэзия. *Навойи яшаган давр шеърияти.* — *Қуйланди эл тилаги бахши созида, Шеърятнинг энг дилкаш, энг таннозида. Уйғун. | Шеър ёзиш санъати. Ҳамза бўлди менга ҳар қачон Шеърятда яқин устозим. Х. Салоҳ.*

2 Қўчма Ўзига мафтун қиладиган, олий ҳис-туйғу уйғотадиган нарса, ўта гўзаллик, нафосат. *Отабек ва Қумуш ишқларида самимият, яъни тўғриси шеърят бор эди. А. Қодирый, Ўтган кунлар. Қора денгиз ҳам шеърятнинг, Ҳам жанговар кўринишинг бор. Уйғун. Баҳорлар ҳақида куйламоқ осон, Ёзинг шеъряттин топа бил шоир. Шайхзода.*

**ШЕЪРХОНЛИК** Бирор давра ёки йиғинда навбат билан шеър ўқиш. *Бутун кеча шеърхонлик билан ўтди. Шеърлар рус, ўзбек, қозоқ. тилларида янгради. «К. Ўзбекистон», 1964, 17 март. Шеърхонлик ва овқатдан сўнг*

меҳмонлар у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. М. Осим, Сехрли сўз.

**ШИА** [а] айн. ший. *Камбар бобо сунний тутқунларга иша мазҳабининг асосларини ўргатди. Айний, Қуллар. Қул жалобларининг зўри билан «қизилбош», яъни иша бўйиб қолган Мардон Бухорога келтирилиб молдек сотилди. М. Осим, Элчилар.*

**ШИББА** Тупроқни уриб зичлаш учун ишлатиладиган тағи текис дастали оғир ғўла. — *Қани кел, Юнус, — деди Йўлдошбой шиббанинг тепа қулоғини чап қўли билан, белидаги дастасини ўнг қўли билан ушлаб. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. Қирғоққа тўпланган кишиларни сон-саноксиз қайиқлар ва кемалар орола ташиб турмоқда, кетмон, бел, шибба, андава, теши, болта ушлаган адмлар сабр-сизлик билан ўз навбатларини кутмоқда. М. Осим, Темур Малик. Шибба урмоқ (ёки қилмоқ) айн. шиббаламоқ 1. Йўлдошбой қишлоғида шибба уришни кўрган бўлса ҳам, ўзи унинг дастасини ушлаб кўрмаган эди. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.*

**ШИББАЛАМОҚ** 1 Шибба ёки бошқа нарса билан уриб, босиб тупроқни зичламоқ, тифизламоқ. *Пойдевор ўрнини шиббаламоқ.* — *[Лутфулла] сувдан чиқиб ҳар иккала қирғоқдан қуруқ тупроқ қазиб, лой устига ташлаб, оёғи ва кетмон орқаси билан шиббалаб, сув кўтариб кета олмайдиган даражада мустаҳкамлади. Айний, Эсдаликлар. От-арава, машина юравериб шиббалаб юборган текис йўлдан сал юреанимиздан кейин орқамиздан сотучи йигит ҳаллослаб етиб келди. С. Аҳмад, Чўл бурғути.*

2 Босиб, тиқиб зичламоқ, тифизламоқ. *Сомонни қанорга шиббаламоқ.* — *Чўрт кесар бўлса, ётиғи билан тушунтиришда, — деди қанорнинг ичига тушиш пахта шиббалаётган звено бошлиғи. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.*

**ШИББАЛАНМОҚ** шиббаламоқ фл. мажх. н. *Бу ғарамадаги пахта яхши шиббаланибди.* — *Шиббаланган ер ўзи хийла заранг бўлса ҳам, боягидан бир қарич чамаси чўккан эди. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.*

**ШИББАЛАТМОҚ** шиббаламоқ фл. орт. н.

**ШИББАЛАШМОҚ** шиббаламоқ фл. бирг. н. *Якташининг бир енини чиқариб белбоғига қистириб олган йигитлар шийпонинг радиосини баланд қўйиб, шошмасдан хирмон шиббалашади. А. Мухтор, Чинор.*

**ШИББАЛОВЧИ** шиббаламоқ фл. ш. оти. *Шиббалоғчи бригада. | Тупроқни зичлайдиган, шиббалайдиган. Йўл қурилиши ва ремонтда ҳал қилувчи ишлар экскаватор, бульдозер, шиббалоғчи машиналар елкасига юкланган. «С. Ўзбекистон», 1967, 16 февраль.*

**ШИВАЛАМОҚ** Бир текис шиддат билан ёғмоқ, саваламоқ (ёмғир ҳақида). *Ўрнимдан турдим-да, деразадан*

кўчага қарадим. Ҳами ёмғир ёғаяпти Аммо энди шивалаб ёғаяпти. Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла. Унинг [момақалдирик] кетидан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатири-шутур дўл уриб бери. Х. Назир, Сўнмас қақмоқлар. Боя шивалаб ёғабошлаган ёмғир тинганди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. | Майдалаб ёғмоқ, томчилamoқ (ёмғир ҳақида). *Пешиндан кейин ёмғир шивалаб ўтди.*

**ШИВАҒА** диал. Улуш, насиба. — *Очқаб келдим, баздан маликангизга шиваға олиб қўйгандирсиз? — деди Зулукхон Илҳомчага. Х. Ғулом, Сенга интиламан.*

**ШИВИЛЛАМОҚ** с. т. 1 Вишилламоқ. *Сув шивиллаб, қандайдир сирли, ваҳимали кўриниш билан оқади. Ойбек, Кутлуғ қон.*

2 Шивирламоқ, пичирламоқ. **ШИВИЛҒОНИ** айн. шивирғони. *Шивилғон — тоғ-тош орасида кўм-кўк шикомларга кўмилиб ётган қишлоқ, машҳур шивилғони узум шу ердан тарқалган. А. Мухтор, Чинор. Ғарқ нишган, доналари шираса тўйиб ёрилай ёрилай деб турган ҳусайни, чарос, шивилғонилар электр лампочкалар нурида товланади. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.*

**ШИВИР** тақл. с. Жуда паст овоз билан гапириш. *Бола аллалашга арзир бу овоз, Севзи шивирга яратилган лаб. Нега қичқиради титратиб ҳаво. Сайёр. | Шивирлаганга ўхшаш ҳосил бўладиган ҳар қандай паст овоз ҳақида. Эрка шамолларинг силар юзимни. Барлар шивирда — Низомий шеъри. Ж. Жабборов. Эрталабки салқин шабада муздек тиллари билан ҳар нарсани ялаб, шивир сочиб эсади. Уйғун, Турсуноӣ.*

**ШИВИР-КИЧИР** айн. шивир-шивир. *Кечаси яна Қарим билан бирга бўлгансан. У билан шивир-кичир қилганини кўрганлар бор. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ШИВИРЛАМОҚ** Жуда паст овоз билан гапирмоқ, пичирламоқ. *Қулоққа шивирламоқ. Шивирлаб гапирмоқ.* — *Мингбоши бир оздан сўнг: Агар бирор жойда ғинг десанг, ўзингдан кўравер, йигит! — деб шивирлабди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Моҳира олим қизи Хуширўйнинг қулоғига нимадир шивирлаб, кулиб қўйди. А. Қодирый, Ўтган кунлар. | Шивирлаганга ўхшаш паст, майин овоз чиқармоқ; шилдирамоқ, шитирламоқ. Сув шивирлаб оқмоқда. — Майин ел шивирлаб бошингдан эсса, Рўмолинг тириллаб ўйнаб кетади. Уйғун. Зокир япроқлари баландда мулоим шивирлаб турган оқ теракларга. қаради. П. Қодиров, Уч илди.*

**ШИВИРЛАТМОҚ** шивирламоқ фл. орт. н. *Тоғдан эсан шабада ердан бир арим қарич кўтарилаган ғўзаларнинг барларини шивирлатади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ШИВИРЛАШМОҚ** шивирламоқ фл.

бирг. н. Ўйинчи тез қайтавермади. У бастакор билан шивирлашар эди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Ариқдаги сув бир оҳангда шивираб оқарди, баланд теракларнинг парча-парча яроқлари бир-бирига тешиб, ўз тилида шивирлашарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ШИВИР-ШИВИР** шивир с. тақр. Мажлисида шивир-шивир кучайди. Шивир-шивир қилмоқ. — Занг овози тинди. Унинг ўрнини аллақандай шивир-шивир эгалади. Ҳ. Назир, Сўнамас чакмоқлар.

**ШИВИРҒОНИ** Доналари майда, уруғсиз қора узум ва шундай мева берадиган ток. Шивирғони пишибди. Шивирғони емоқ. Ун туп шивирғони экдим. — Яхши қизлар, ўртангизда ким йўқотди лабда ранг? Бир келиб бу богдаги «ўғри» шивирғондан сўранг. Ғ. Гулом. Ишқомларда ҳусайни... дилкаптар, кишимш, шивирғонларнинг боши ерга тегай деб энгашган. С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради.

**ШИДДАТ** [а] 1 Ҳаракатдаги нарсаларнинг, ҳодисаларнинг интенсив кучи, зарба, эпкини. Шамол шиддати. Ёмғир шиддати пасайди. Шиддат билан ҳужум бошламоқ. — Анҳор тўлиб-тошиб оқмоқда, тахта ҳодалардан қилнган маҳкам тўғонни қўпориб ташлагудай шиддат билан қирғоққа урилиб, наста отилмоқда. Ҳ. Назир, Сўнамас чакмоқлар.

2 Зўр ғайрат, шижоат. Кун ўтди, кун кетидан кун келди, лекин тоғ қазувчилар шиддати заррача ҳам бўшмади. М. Исмоний, Фарғона т. о. Чу! деб шиддат беради Фирқўк тулпор отига. Ҳай аттанг, деб мард Ҳасан, Шарт уради сонига. «Равшан».

3 Кўчма Қаҳр, ғазаб. Қиш шиддатидан тушган. — Шерназарбойнинг шиддати зўрайиб, қалъани баттароқ тўпга тутдирди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ғайрат қилиб мард Рустам, Отга қилди шиддатти. «Рустам».

**ШИДДАТКОР** [а+ф-т] айн. **шиддатли**. Шиддаткор оқим. — Мускуллари бўртиб баданда, Мағрур боқиб туради шахтёр. Туюлади тургандек конда Ўз ишида толмас, шиддаткор. Сайёр. Энди бўлса у [Мамлакатхон] бундай ажойиб катта зангори келанинг капитани! Бу шиддаткор қиз осонликча эришидими бунга? С. Абдуқаҳор, Олтин водийларни кезганда. Шафтолизорда савъанинг гоҳ фиғонли ноласи, гоҳ шиддаткор чақнақи тинмайди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ШИДДАТЛАНМОҚ** кам қўлл. Авжига минмоқ, кучаймоқ, тошмоқ, қайнамоқ. Гулнор бу ёт кишининг элик-боши эканини билгач, ғазоби шиддатланди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ШИДДАТЛИ** Шиддати бор, шиддатга эга бўлган, шиддат билан содир бўлган ёка бўладаган. Шиддатли шамол. Шиддатли оқим. — Баталон шу кунни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини

қайтарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Улуғ Ватан урушининг ҳал қилувчи кунлари. Берлин кўчаларида шиддатли жанг бораётир. А. Убайдуллаев, Қонли издан. [Иyson] жаҳли чиқса дўлдек шиддатли, кулса ғунчадек майин. Б. Барот, Юрак тинчмайди. | Каттиқ, кескин кучли. || Беморнинг юраги шиддатли уряпти. — «Югур, уларга етиб ол!» Хосият холининг шиддатли қўл силташи ва қаттиқ овози Аъзамни чўчитиб юборгандай бўлди. Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси. У [Йўлчи] қорни шиддатли элаган тиниқ кўкка қарайди, хўрсинади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ШИДДАТЛИЛИК** шиддатли с. мавҳ. от. Бўроннинг шиддатлилиги. — Хўп, бунинг учун узр,— деди [Латифжон] анчадан кейин. Унинг овозида бояги шиддатлиликдан асар ҳам қолмаган эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ШИЖОАТ** [а] Оғир ва қийин шароитда кўрсатиладиган ғайрат, қатъийлик; мардлик, жасорат. Шижоат кўрсатмоқ. — Одамлардаги ҳаракат, шижоат, ғайратни кўрайтибсанми? Уларнинг юрагига ким ғайрат солди? Уйғун, Навбаҳор. Биз кўрсатиб чексиз маҳорат, Саҳроларда очдик бўстонлар; Мўъжизалар яратган ғайрат — Шижоатдан қолур достонлар. З. Диёр.

**ШИЖОАТКОР** [а+ф-т] айн. **шижоатли**. Шижоаткор йигитлар.

**ШИЖОАТКОРОНА** [а+ф-т] кт. Шижоат билан қилинадиган, мардона; фидокорона. Шижоаткорона парвоз. — Қишлоқ меҳнаткашларининг шижоаткорона меҳнатлари туфайли об-ластимиз давлатга пилла, қоракўл тери сотиш йиллик планларини ошиғи билан адо этди. «С. Ўзбекистон», 1967, 22 октябрь.

**ШИЖОАТЛИ** Ҳар қандай оғир ишга шижоат билан киришадиган, мард, жасур. Шижоатли йигит. — Оқсоқол опа ҳақиқатан ҳам жуда шижоатли, серғайрат бир жувон. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Олқиш сенга ўй биринчи қўмондон, Олқиш сенга шижоатли саркарда. Шайхзода.

**ШИЖОАТСИЗ** Қатъийлик билан иш тутмайдиган, қатъиятсиз; қўрқоқ. Шижоатсиз одам.

**ШИЗОФРЕНИЯ** [р<грек] Рухий фалиятнинг бузилиши туфайли юз берадиган оғир психик касаллик.

**ШИЙМ** [р<а] Муҳаммад пайғамбар давридаги қурьонни тан олиб, унга кейинча қўшилган диний ақидаларни тан олмайдиган оқим, ислом мазаҳабларидан бири. Шиизм тарафдорлари.

**ШИЙИ** [а] қ. **шиийлар**. Шу кунларда шийи .. гавғосидан ўза муҳим ҳодисани билмайман. Ойбек, Навоий.

**ШИЙИЛАР** дин. Шиизм тарафдори бўлган мусулмонлар; тақ суннийлар. **ШИЙДАМ** I Ҳеч нарсаи қолмаган, ҳеч нарса йўқ; бўш, қуруқ, яланғоч. Элмурод.. чалқанча етиб, қоп-қора мунчоқ кўзларини шийдам бутоқлар-

дан олмай, тут пишиғини хаёл қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШИЙДАМ** II фольк. Яхши кийинган, ясанган, башанг. Маҳрамлар айтди: — Ҳайит-арафада ўзбекининг кўвини кўрар эдик. Шийдам бўлиб юрар эди. Салла ўраб, кийиниб турар эди. «Алпомыш».

**ШИЙПОН** [хит] I Атрофи одатда хар томонидан очик ёзлик бино. Ҳовуздан йиғирма қадамлар нарида тўрт томони очик, устунлари чиройли нақшланган, ердан одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон, бунинг атрофи гулзор. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Далада ишлаётган колхозчилар ёки совхоз ишчиларининг дам олиши ва овқатланиши учун махсус қурилган ёзлик бино. Шийпонга йиғилган теримчилар ер остидан бир-бирларица қараб имлашар эдилар. М. Муҳамедов, Қаҳрамон издан. Июль ўрталарида комсомол зеносининг қизлари тўртинчи чопиқни тугаллаб, дала шийпонига кўчиб чиққинди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ШИКАСТ** [ф-т] I Жисмоний зарар, лат. Шикастни тузатмоқ. — [Бектемир] суяк шикаст топмаган соғ қўл билан ярани, қийин бўлса ҳам, пухта боғлади. Ойбек, Қуёш қораймас. [Пўлатжон домла:] Тувакда бир туп гул ўстирган одам шу гулнинг бирон яроғига шикаст етса қанчалик ачинади! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Тоҳир омон, ҳеч бир шикаст етган йўқ, Е бош олиб, бирор ерга кетган йўқ. С. Абдулла.

2 Нарсанинг зарарланган, бузилган, синган, лат еган жойи. Машинани қиялик кетидан олган, у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, тупурди, сўкинди, шикастни тополмади. А. Мухтор, Тугилиш. Мадраса ҳужраларининг шикасти тузатилиб битмагани учун, мен кўп шогирлар сингари, кваттирада туриб, қатнаб ўқидим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 Кўчма Кўнгилсиз ҳодиса, зарар, энён-захмат; фалокат. Араббой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортди. Лекин у.. обрўсига шикаст етган катта бир шахс каби киброна бўзарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёки қаттиқ ишлаб чарчадингми? Ёки бирор шикаст етдимми? Уйғун. Шикаст емоқ 1) лат емоқ; зарарланмоқ, мажруҳ ёки майиб бўлмоқ. Ёғим шикаст еди.

— Норматнинг боши, танаси, қўллари гусеничалар ўртасида қолгани учун шикаст емади. И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) бузилмоқ, зарарланмоқ. Шикаст еган танк. Бу ўй зилзиладан шикаст еган. — Ҳаво жангида қаттиқ шикаст еган немис самолёти нима бўлди-ю, шу ғараждан йиғирма-ўрттиз метр нарига келиб қўнди. -А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 3) кўчма бирор фалокатга дучор бўлмоқ; мағлубиятга учрамоқ. Шикаст еган қўшиндек бузи-

либ, орқа-ўнгига қарамай, Ҳисорга қочди. Ойбек, Навоий.

**ШИКАСТА** [ф-т] Қайғу, ғам билан эзилган. Дил шикаста ёки шикаста дил қайғули, ғамгин. Шикаста дил одам. — Дил шикаста, бағри хун, кўзида ёши шашқатор, Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёдидир. Ҳамза. | Мунгли; майин. Чаманга бошла аста, куйлаб шикаста. «Кўшиқлар».

◆ **Шикаста** хат ёки хатти шикаста харфлари нуқтасиз ва бир-бирига тиркаб эзиладиган арабча хат тури. Шикаста бу хатдан унинг ўқий олган жумлалари шулар бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб. **ШИКАСТАБАНД** [ф-т] айн. синкчи.

**ШИКАСТАНАФС** [ф-т+а] 1 Ўзини юқори олмайдиган, камтар, камсукум.

2 Тарки дунё қилган одам; зоҳид. **ШИКАСТАНАФСЛИК** шикастанафс с. белги оти. Шикастанафслик билан иш тутмоқ. Шикастанафслик қилмоқ ўзини бошқалардан паст тутмоқ, камтарлик қилмоқ. [Хатиб домла мулла Обидга:] Шикастанафслик қилманг, айниқас сиз подаччилик уддасидан келасиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ШИКАСТАҲОЛ** [ф-т+а] Қайғули, ғамгин; мунгли. Жин кўчанинг бошида Хароба бир уй. Оқар эди шу уйдан Шикастаҳол куй. Ғайратий.

**ШИКАСТЛАМОҚ** Шикаст, зарар етказмоқ, синдирмоқ, бузмоқ, ишдан чиқармоқ. Машинани шикастламоқ. — Қуртлаган олма ерга тўқиллиши билан унинг ичидаги қурт ташқарига чиқиб дарахт бўйлаб юқорига кўтарилади ва бошқа меваларни шикастлайди. «К. Ўзбекистон», 1946, № 120.

**ШИКАСТЛАНМОҚ** 1 шикастламоқ фл. ўзл. н. Машина шикастланди. — Ер қимирлаганда Усмон отанинг уйи ҳам анча шикастланди. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

2 Бирор зарб туфайли мажруҳ бўлмоқ, яраланмоқ, лат емоқ. Унинг ўнги қўли шикастланди. — Муроджон бўлса, чаққонлик билан шикастланган тоғамни кўтариб, иккинчи тарафга олиб қўйди.— деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

**ШИКАСТЛАНТИРМОҚ** шикастланмоқ фл. орт. н.

**ШИКАСТ-РЕХТ** [ф-т] Турли шикастлар. Шаҳар ва теваарак атрофдаги овулларнинг аҳолиси Утрор қўрғонининг шикаст-рехтини тузатиши учун сафарбар қилинди. М. Осим, Утрор. Мадраса вақфсиз қолганидан кейин хужраларнинг шикаст-рехти тузатилмай, тез орада ишдан чиқди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ШИКАСТСИЗ** 1 Лат емаган, соппасоғ.

2 Бузилмаган, синмаган, бус-бутун. Унинг [механизаторнинг] қўлида энг яхши, соз, юксак унум билан, шикастсиз, бетўхтов ишлайдиган ма-

шина бўлиши керак. «С. Ўзбекистон», 1965, 5 февраль.

**ШИКВА** [а] кт. Бирор нарсдан норозилик, шикоят; ҳасрат. Шиква қилмоқ. — Нима демоқсизиз, шиквами ё арз? Миртемир. Вафосиз дилрабодин шиква қилсам айб қилманглар. Махзуна. Бу Муаззам, бу фалақдин шиква этса арзгай. Муаззамхон.

**ШИКВАЛИ** Норозиликни билдирувчи, шикоятмуз. Кампир сўнги жумлани шиквали бир оҳангда айтди. Уйғун, Турсуной.

**ШИКВА-ШИКОЯТ** [а] Шиква ва шикоятлар, ҳасратлар. Бу тўғрида шиква-шикоят қилиш ва народчилик қилганидек «пролетариатчилик маркази» ҳақида гапириш нотўғридир. «КПСС тарихи». Масжид жиловхонаси намоз вақтини пойлаш билан бирга ўтган-кетганларни шиква-шикоят ва ғийбат қилиш ҳамда нафсониятнинг .. бозори эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ШИКОР** [ф-т] кт. Ов қилиш, ов. Шикор қилмоқ. — Подшо шикорга чиққанда, биринчи рўпара келган кийинки урломай, ёнидаги одамлар олдида қизариб қолди. «Латифалар». От белги ҳавас билан миғамиз, Бобо рухсат беринг, шикор қиламиз. «Эрали ва Шерали».

**ШИКОЯТ** [а] 1 Бирор нарсдан норозилик, нолиш, ҳасрат қилиш; ҳасрат. Уйқусизликдан шикоят қилмоқ. — Ҳамманинг тилида шикоят: қимматчиликдан, мардикор олиш воқеасидан, бекорчиликдан шикоят. Ойбек, Кутлуг қон. Камбағалчилик ўйсин! Хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон бунни таъна деб тушунди. А. Қаҳҳор, Анор.

2 айн. **шикоятнома**. Шикоят ва тавсия дафтари. Қасаба союз комитети иши ва хизматчиларнинг шикоятларини корхона маъмурияти билан биргаликда кўриб чиқади. — Партиядан чиқарилганларнинг шикоят аризаларини тегишли партия органлари шу ариза ва қарор олинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўришлари лозим. «КПСС Уставин».

**ШИКОЯТБОЗ** [а+ф-т] салб. Бирор шахс, корхона, ташкилот ва ш. к. устидан доим ассосиз шикоят қилиш ёки шикоятнома ёзиш билан шуғулланувчи шахс.

**ШИКОЯТБОЗЛИК** шикоятбоз с. мавз. от. Шикоятбозлик билан шуғуланмоқ. — Турмушда шикоятбозликдан бошқа иш қилмайдиган, бунни ўзларига касб қилиб олган бир тоифа одамлар бор. О. Ёқубов, Ларза.

**ШИКОЯТЛАНМОҚ** Бирор нарсдан норозилик билдирмоқ, нолимоқ, ҳасрат ёки шикоят қилмоқ. — Астрободда бағоят номақбул ҳаракат рўй бермиш,— деди Ҳусайн Бойқатор шикоятланиб. Ойбек, Навоий. Хотин паранжиси билан айвоннинг олдида ўтириб олгач, «уф-ф-ф» деб чайқалди ва «анча

йўл экан, тинкаларим қуриб кетди-яъ» деб шикоятланди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШИКОЯТЛИ** Норозилик, шикоят ёки нолишни ифодаловчи, ҳасратли. Шикоятли нигоҳ. — Саҳнанинг нариги бурчидан ҳўқизнинг шикоятли бўжириши эшитилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.— Асли бизнинг ҳолимизни сўраманг! — дейди шикоятли оҳангда Берди татар,— биз бошда шу Обид кетмон деганини ўз ичимизга ўйламадан олган эканмиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ШИКОЯТНОМА** [а+ф-т] рвш Шикоятга ўхшаш, шикоятномиз. Машинаси бўла туриб генералнинг тўпикдан чанг кечиб, пиёда юрғанига адъютантнинг гоҳо жаҳли чиқиб қўйар ва ўзича нималарнидир пўнғиллаб, шикоятнома сўзланиб қўйарди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. || У [оқом се-кретари] ҳар қандай шикоятнома масалаларни ўз вақтида, аммо муҳасам далиллар ёрдамида ҳал қилишга одатланган. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ШИКОЯТНОМА** [а+ф-т] Бирор шахс, корхона, ташкилот ва ш. к.ларнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзилган расмий шикоят.— Бўлмаса аҳоли хонга шикоятнома ёзмайдирми? — Нечанчи шикоятномани сўрайсиз,— деди Отабек,— Азизбекдан зулим, жафо кўрганлар билан бирликда энди ўзинчи шикоятномани юборандирми? А. Қодирий, Утган кунлар. Тешибой ота гувоҳларни кўрсатиб, Саидбек қозига шикоятнома ёзди. Жўрабоев, Мулла Б. м.

**ШИКОЯТОМИЗ** [а+ф-т] Шикоятга ўхшаш, шикоятнома. Йўловчилар юзларини елпишар, иссиқдан бўғриққан рухсорларини рўмолчалари билан артишиб, бир-бирларига шикоятномиз қараб, бошларини сарак-сарак қилишар эди. С. Кароматов, Бир томчи қон. Бўтабой.. тандирнинг олдидаги кундага боғлаб қўйилган каттақон бўрдоқи қўйни кўриб қолди. Қўй унга қараб шикоятномиз маъради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШИКОЯТЧИ** Бирор кимса ёки нарсдан шикоят қилувчи.

**ШИЛ** [ф-т] диал. Фирибгарлик билан ҳамма нарсани шилиб, ўзиники қилиб оладиган, муттаҳам, фирибгар; сурбет. Жамоатчилик, тегишли ташкилотлар совет граждани шаънига исно келтириб юрган бу ҳаромхўр, шил савдөгарларни нўхталаб қўйишлари керак. «Муштум», 1960, № 19.

**ШИЛВІРАМОҚ** с. т. Шилинмоқ, тирналмоқ; маддаламоқ (яра, жароҳат ҳақида). Яраси шилвираб кетибди. — У [Ғуломжон] жисмини шу ерда қолдириб, фикри билан ёр ёнида бўзлайди, жароҳати шилвираб ётган дилида оғриқ туради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИЛДИР** 1 тақл. с. Шилдираган овоз ҳақида. Сув шилдири, булбул қў-

шиғи, Феруза кўк, вангори япроқ, Уйғун.

◆ Шилдир сув с. т. ниҳоятда суюқ овқат ҳақида. Бу шўрвангиз шилдир сув-ку.

**ШИЛДИР** II айн. шил. Қанақа йигит экан? Қим экан? Ёмон, шилдир йигитлардан эмасмикан? Мирмухсин, Умид.

**ШИЛДИРАМОҚ** I Оқаётган сув ёки бошқа суюқликка хос бир хил майин овоз чиқармоқ, жилдирамоқ. Ариқ-чаларда тил-тиник сувлар шилдираб оқиб ётади. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Енгил овоз чиқармоқ, шитирламоқ (хас-хашак, қоғоз ва ш. к. ҳақида). Қамишлар шилдиради, кўл атрофидаги ўрдаклар «қа-қа»лаб, парвоз қилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Кечки куз. Дарахлар қизғин, олтин ранг, Шилдираб япроқлар кўйлайди қўшиқ. Шукрулло.

**ШИЛДИРАТМОҚ** шилдирамоқ фл. орт. н. Кўжда булутлар қуюқлаша бошлаб, майда ёмғир томчилари бареларни шилдиришиб, шувиллай бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ШИЛДИРАШМОҚ** шилдирамоқ фл. бирг. н. Ғўзалар «раисимиз бултурги одатини ташламабди-ю», дегандек силкиншиб, шилдиришиб қолишаверди. С. Маҳкам, Хуррак.

**ШИЛДИРМОҚ** шилмоқ I—3 фл. орт. н. Тоғнинг пўстлогини шилдириш. — Бу ерда [самоарда] ҳамма ёқни шилдириб эртага кимга арзёа борасанлар. Юр-эй, оғайнилар! Х. Шамс, Душман.

**ШИЛДИРОҚ** Шилдираган майин овоз чиқарадиган. Негадир унинг [Ҳафизанинг] бирдан орқага қайтиб кетиши келиб қолди, агар ҳозирок Умид билан учрашадиган бўлса, бу ажойиб манзаралардан, пурвиқор тоғлардан, сарин елу шилдироқ соғлардан; баридан кечиб, у томон чопарди. Мирмухсин, Умид. [Ойна опа] «Озиқ-овқат» ва «Кидимлар» магазинга кириб, шилдироқ қоғозга ўроғлик алланарсаларни кўтариб чиқди. Ш. Холмиразев, Тўлқинлар.

**ШИЛДИР-ШИЛДИР** шилдир с. тақр. «Шилдир-шилдир» — оромбахш овоз — Сув ўйнардир настликда — сойда. Д. Файзий.

**ШИЛИМШИҚ** Елим каби юмшоқ ва ёпишқоқ, шалхақ. Шилимшиқ модда. Шилимшиқ эшит. — Киши шилимшиқ бир нарсани кўраганида таъби қандай тирриқ бўлса, унинг ҳам таъби ҳозир худди шундай хира эди. О. Ёқубов, Ларза. Лекин Эличбекнинг ҳафсаласи пир, ифлос, шилимшиқ бир нарса еб қўйгандек, таъби тирриқ эди. А. Мухтор, Туғлиш.

**ШИЛИНГПОЧА** с. т. Қийимсиз, яланғоч; оёқ яланг, сарпойчан. — Айниқса сартарашхонанинг қашқа пашшисини айтинг. Шилинпоча оёқларини шунақа узиб чақадики, дод деб юборасан киши, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ШИЛИНМОҚ** шилмоқ I—3 фл. ўзл. ва мажз. н. Пўсти шилинган тол. Оҳадан унинг қўли шилинипти. — Кийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди. И. Раҳим, Оловкор. [Бозорқул] бугун куни билан от етаклаб яёв юрди. Увангига ўрганган оёқ шилиниб кетди. А. Мухтор, Чинор.

◆ Ичим шилиниб кетди 1) жуда қорним очди, очиқиб кетдим; 2) ичим ачишиб кетди (аччиқ овқатдан). Шилиниб тушмоқ озмоқ, ориқда кетмоқ. Бола касалдан сўнг жуда шилиниб тушиди.

**ШИЛИНТИРМОҚ** шилинмоқ фл. орт. н. Шилинтирдинге тамом боримни, меҳмонинг бўлурман деб, Йўлиқтирдинге давосиз дарда, дармонинг бўлурман деб. «Муштум», 1962, № 3.

**ШИЛИШМОҚ** шилмоқ фл. бирг. н. Қасоблар кўйларни шилишиб.

**ШИЛИК** I айн. шилик I.

**ШИЛИК** II айн. шилик II.

**ШИЛЛИНГ** [р<ингл] I Англияда

1  $\frac{1}{20}$  фунт стерлинга тенг танга пул.

2 Австрияда ва баъзи бир Африка мамлакатларида пул бирлиги.

**ШИЛЛИК** I Суюқ ёпишқоқ елимсимон модда. || Шиллиқ парда. — Соғ кишининг нафас йўллари қуриб қолмаслиги ва чангдан сақланиши учун унда бир оз шиллиқ бўлади. Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

**ШИЛЛИК** II, шиллиқ курт Чиганокли курт. Намли ва булутли ҳавода ўргимчаклар, шиллиқлар тугилади, шудордан бошқа озиқ тополмагандан сўнг янги ўсиб чиққан ғўзаларни қирқшига бошлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ШИЛМОҚ** I Нарсанинг сиртидан, танадан уни ўраб турувчи тери, пўст каби қопламани ажратиб олмоқ. Дархатнинг пўстлогини шилмоқ. Қуённинг терисини шилмоқ. — Тожиддин Қосим ҳушбўй бананларнинг олтин пўстларини илдам шилиб бир мунча эди. Ойбек, Нур қидириб. Кўчанинг у юзида, лаб ва бурнига қон сачраган айиқдек бир қасоб, янги сўйилган қўйнинг терисини зўр бериб шиларди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Узиб ёки юлиб олмоқ, кўчириб юбормоқ, қаттиқ тирнамоқ. Билмай ярамни шилиб юборибман. — Мана бу еримни Люблинда ўқ шилиб кетди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 Ачиштириб ялаб кетмоқ; терисини еб, ўйиб юбормоқ. Оҳақ қўлимни шилиб юборди. Қалампир ичимни шилиб кетди. — Сирка ичгандагидек қорнини шилиб юборди. Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Кўча Алдаш ёки зўрлик билан бошқанинг бор-йўғини ўзиники қилиб олмоқ, таламоқ; ўғирламоқ. Бойлар камбағалларни шиларди. Савдогар харидорларни шилади. — Отам қариб,

йўлда ҳориб қолган чол эди. — [Қароқчилар] уни бир зумда ётқизиб, ёнидаги бор пулини шилиб олишди, — деди Хожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уруш бойларга ёқиб тушиди, камбағалларни шилди. Ойбек, Қутлуг қон. Уғри, банодит! Эртага ҳамма ёқни шилиб қочади. А. Мухтор, Туғлиш.

**ШИЛП** айн. шилт I. Минебоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп эткизиб туширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИЛПИЛДОҚ** Шўрвага тўртбурчак қилиб кесилган юпқа хамир ташлаб тайёрландиган қуюқ таом. Шилпилдоқ қилмоқ. Шилпилдоқ емоқ. — Мулла, зшон, бой, қиморбоз ёғила берди, ҳар кун норин, шилпилдоқ, палов. Ойбек, Қутлуг қон.

**ШИЛПИК** I мед. Кўз жилди хамиша қизариб, ёшлиниб турадиган юқумли касаллик; трахома. Унинг кўзи шилпиқ.

2 Шу касаллик туфайли кўздан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш. Мاستон хола. ени билан кўзларининг шилиғини артиб бўлаган, эгачи сингилга бир-икки қараб олди. Уйғун, Туреуной. Унинг [Мирҳосиланинг] кўзларини шилпиқ босган, чўмчи нусха катта бурни одатадиган ҳам қизариб кетган эди. Ҳ. Ғулом, Сенга интилан.

3 с. т. Шундай касалликка йўлиққан киши.

**ШИЛПИҚЛАНМОҚ** I Шилипқ бўлиб қолмоқ, трахома касалига чалинмоқ.

2 Шилпиқликдан яллиғланмоқ, қизармоқ (кўз ҳақида). — Уҳў, оғайни, одам деган маълум ҳар қандай оғирликни кўтараверар экан, — деди кўзлари шилпиқланган, совуқдан қизарган қирғий бурнига синиқ кўзойнак қўндирган, қурушиқ жуссали қари чархши. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШИЛТ** I тақл. с. Юмшоқ нарсасга, мас. баданга қамчи, новда ва ш. к. билан урганга ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Қамчининг шилт этган овози. Шилт этказиб урмоқ. — От сўлиқ чайнаб, пақирдан бош кўтариши билан, биқинига шилт тушган қамчи зарбидан ўзини олдинга уриб, лўкилаб юриб кетди. Мирмухсин, Чўри. Сигир .. сочоқли узун думини ҳавода ўйнатган эди, учи шилт этиб Тошхоннинг юзига тегди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

**ШИЛТ** II тасв. с. Тез, лип этиб содир бўладиган ҳаракат ҳақида. Шилт этиб чиқиб кетмоқ. Шилт уриб қочмоқ. — Қудрат даврадан шилт чиқиб, орқага ўтиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИЛТА** I ефт Ниҳоят даражада хўл, жиққа хўл. Йигитнинг тердан шилта бўлган кўйлаги баданига ёпишиб қолган, ўзи ҳам нимадандир қўрққан одамга ўхшар, кўзлари бежо эди. О. Ёқубов, Ларза. Аллақачон шудринг тушган экан, бирпасда шимининг по-



чаларга шилта бўлди. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 от Лой, балчиқ. Ёмғир кўчанинг шилтасини чиқарди.

◆ Бировнинг шилтасига тоймоқ биров айби учун жавобгар бўлмоқ, бировни деб азоб-уқубат чекмоқ.

**ШИЛТИЛҲАМОҚ** с. т. Ёгингарчилик туфайли суяқ лойга айланмоқ, пилчирамоқ. Қор эриб, кўчалар шилтисиллаб кетди.

**ШИЛТ-ШИЛТ** 1 шилт I с. такр. Новда билан шилт-шилт урмоқ.

2 рви Жуда, ниҳоят; жиққа. Унинг тўғни ёмғирда шилт-шилт ҳўл бўлди.

— Ерлар эриб, ҳамма ёқ шилт-шилт лой; кўрғон кунирларигада қировлар бугга айланиб, кўкка кўтарилмоқда эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШИЛҚ** тақл. с. Юмшоқ нарса урилганда ёки ёпиқ идишдаги суяқлик чайқалганда ҳосил бўладиган товвуш ҳақида. **Шилқ этиб** 1) шилқ этган товвуш чиқариб. Боланинг қўлидаги босволди шилқ этиб ерга тушиб ёрилди. Бир оёғи шилқ этиб балчиққа ботиб кетди; 2) жуда ҳолдан тойган, куч-қувватини йўқотган, бўшаган ҳолда. **Шилқ этиб йиқилди.** — Қобил ноилож бурчакка қайтиб, скамейканинг бир чеккасига шилқ этиб ўтирди.

Х. Гулом, Машғал; 3) осонгина ишонган ҳолда, лақиллаб. — Нақ сиз ўргатгандай, Зухраой айтиб юборди, деб шундоғам ишонтирдимки, шилқ этиб олдимга тушиб келаверди қизина, — деди хотин Эшонхонга. Ойбек, Улуғ йўл; 4) ноғохон, қутилмаганда. Брисадирларга нима, оғиз кўптиририб ваъда беравердилар. Қуруқ ваъдаларнинг юки шилқ этиб бўйнига тушади-ю, ёмон отлик бўлавераман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Шилқ тушмоқ** с. т. осонгина ишонмоқ. Тўла Салиманинг дағдағасини эслади-ю, Самданинг гапига шилқ тушиди-қолди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ШИЛҚИЛҲАМОҚ** 1 «Шилқ-шилқ» этган овоз чиқармоқ, шўлқилламоқ. Сигир кўп сув ичганидан, юрганда қорни шилқиллар эди.

2 Сирқиб турмоқ; кўлмак ҳосил қилмоқ (суяқлик ёки намнинг мўллиги ҳақида). Ёғи шилқиллаган палов. — Кунгай қир ён бағирларини тўшаган момиқ қор офтобнинг илқ нурларига тоб бера олмай, шилқиллаб эриб, настликка аста силқий бошлайди. Т. Хўшназаров, Адрлар бағрида.

3 кўчма Ҳолдан тоймоқ, дармонсизланмоқ, ниҳоятда чарчамоқ. Омонведек одам сизни табриклаш учун.. кабинетидан чиқиб, олбинега шилқиллаб келармиди? Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. Оққиз билқиллаб, шилқиллаб, илқиллаб, минқиллаб жойидан турди. «Равшан». **Шилқиллаб тушмоқ** дармонсизлик, чарчаш ва ш. клар туфайли таппа ташламоқ, йиқилмоқ, қуламоқ; ётмоқ. Овқатни еди-ю, шилқиллаб тушди. Меҳнат чақиб қўймаса, бу бечорани. И. Раҳим, Ҳилола.

**ШИЛҚИЛҲАМОҚ** шилқилламоқ фл. орт. н. Ёғини шилқиллашиб палов қилмоқ. Безгак болани шилқиллашиб қўйди.

**ШИЛҚИМ** Бировнинг ҳоли-жонига қўймай биров нарса сўрайдиган, хиралик билан илтимос қилаверадиган; безбет, сурбет. **Шилқим йиғит.** — Минг ўргилиб, олдин сизга қаддин букар, Оҳ-воҳ қилиб, муғомбирлик ёшин тўқар, Эртасига учтади севгисини, Би-либ қўйинг шилқим ошиқ белгисини. А. Пўлат. У [комиссар аёл]. Ҳадидан ошмоқчи бўлган бир шилқим матросни шартта отиб ташлайди. М. Аҳъев, Ҳаётбахш ўлим. | Бировга тинчлик бермайдиган, безовта қиладиган, хира. Бу орси ва шилқим экониворлар экиннинг бир томонидан учирсам, иккинчи томонга бориб қўнар. Айний, Эсдаликлар. — Босмачилар шилқим паишадек кўп бола очиб, иссиқ баданга кандаек ёпишляптилар, — деди Муфтабар. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. || Қирқ йилдириқ «Муштум» жанговар, Ҳар жабҳада курашга тайёр; Қувди шилқим, лаганбардорни, Хотинбозу ялқов, беорни. С. Абдулла.

**ШИЛҚИМЛАРЧА** рви Шилқимлардек, шилқим сингари, сурбетларча. Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги, Латифийнинг унга шилқимларча тегишиб юргани.. ҳақида ўз шубҳа ва тусмоларини гаплашдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШИЛҚИМЛИК** шилқим с. белги оти. Шилқимлик қилмоқ. — Йиғит кўп шилқимлик қила берганидан кейин хотин қочиб нариги уйга кириб кетди. А. Қаҳҳор, Қайғулар.

**ШИЛҚ-ШИЛҚ** 1 шилқ с. такр. Шилқ-шилқ бурун тортмоқ. — Созандалар ҳамон.. босиқ машқни секин-секин авжга чиқариб бордилар.. Ахир чидаб туrolмадим, шилқ-шилқ йиғлай бошладим, — деди Усар ака. А. Қодирий, Жинлар базми.

2 рви Тиним билмасдан, тинмасдан. [Муладўст:] Сал бўшадимми, икки қўлим қайси бир очик мазордаги, худонинг газабига учраган қарздорнинг ёқасида-ю, шилқ-шилқ кўча чангитганим-чангитган. Ҳамза, Майсаранинг иши. [Муҳаббат:] Бу қиш ҳам қишлоқ билан дала ўртасида бўзчининг моқисидек шилқ-шилқ қатнаб юрар эканмиз-да. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ШИЛҚҚА:** шилққа тушмоқ айн. шилқ тушмоқ қ. шилқ. Пўнса қилавер, кўнмай иложи қанча, охир кўнади, хужрага қамасане, шилққа тушади-қўйди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШИМ** Гавданинг белгача бўлган пастки қисмига кийиладиган устки кийим. Галифе шим. Мовут шим. — Хўжабеков шимининг чўнтагидан дастрўмолини суғуриб, оқариб кетган юзини артди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳаракатининг зўрлигидан Раҳимнинг сепкил бетлари, дуқки пешанаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб

кетган эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШИМАРИЛҲОҚ** шимармоқ фл. мажҳ. н. Унинг шими тиззасигача шимарилган эди. — [Гулнорнинг] енглари шимарилган, тикмаюқдай оқ билаклари қуёш нурида қумушларан, сочлари қуюқ, киприклари майин ёнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Йил шилладим бўлиб асир, қоранда, Шимарилиб биллак, кўзда ёш томчи. Ғайратий.

**ШИМАРИНҲОҚ** шимармоқ фл. ўзл. н. с. т. Полвон шимариниб, курашга тайёрланди.

**ШИМАРИҚ** Шимарилган, шимариғлик. Қўлларда зил, расмона кетмон, Сочлар чамбар, енглар шимариқ. Ойбек.

**ШИМАРИҒЛИҚ** Орқасига қайриб юқори кўтарилган, шимарилган. Лойда унинг [Бекнинг.] қора почаси шимариғлик бақувват қора болдири ялтиради. А. Мухтор, Туғилиш. Енглари шимариғлик, .. қайноқ сомса уюлган лаганни кўтариб оқсоч кирди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШИМАРҲОҚ** Орқасига қайриб, химариб, юқорига кўтармоқ (кийим ёки унинг бирор қисми ҳақида). Почани шимармоқ. Қайирсам этагим, шимарсам — енгим. Мақол. — Улар [Эргаш билан Одил] йиртиқ иштонларини тиззасигача шимариб, сув кечишади, ҳар бир тоши тағига қўл тиқиб, балиқ қидиришади. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? — Бўрон тўхтагач, ундан ҳам яхши ишляпмиз, — деди Бекбўта билакларини шимариб. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ Енг шимариб астойдил; жон-жаҳди билан. Мард йиғит-қизлар — механик, ҳайдовчилар енг шимариб ишга тушдилар. «К. Ўзбекистон», 1960, № 215.

**ШИМАРТИРҲОҚ** шимармоқ фл. орт. н. [Жамолнинг] зенида қизил катак қўйлақ. Оёғида оқ брезент туфли. Қимгадир енгини шимартирляпти. С. Анорбоев, Меҳр.

**ШИМДИРИЛҲОҚ** шимдиrhoқ фл. мажҳ. н. Ёғ шимдирилган қоғоз. Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқларини сиёҳ шимдирилган духоба ёстиқчага ишқалаб олиб, сўнгга қаттиқ босиб из туширар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШИМДИРҲОҚ** шиммоқ фл. орт. н. Босма қоғоз билан сиёҳни шимдиrhoқ. Қоғозга ёғ шимдиrhoқ. — Аяжон, ёмон нарсаларни ҳеч ўйламаслик керак, — деди Умид тутулиб. — Уйламай бўладими, Умиджон, — деди Сунбулхон ая сурма сурилган кўзлари қийиғидаги бир дона марвариддек ёшни рўмомчасига шимдиrhoб, — мен сизни ўғлим дейман. Мирмуҳсин, Умид. Богдан узумлар узиб чиқиб, сингелисига ғужумлаб шимдиrhoрди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ШИМИЛҲОҚ** шиммоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Қор суви тезда ерга шимилиб кетди. Шарбати шимилган анор. —



Адолат жилгани айланб чикди. Булоқ суви жилгадан нарига бормай, шу ерда шимилиб кетгандек туюлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сал вақт ўтмай гўё қон шимилиб, унинг ўрнида зарҳалларга бўялган уфқ ярқиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ШИМИМОК** айн. **шиммок**. Мадраҳим араққа ботган сариқ мўйловини шимиди. А. Ҳасанов, Юзма-юз.

**ШИМИНГ-ЧАЙНАМАНГ** с. т. Узун чўп шаклида тайёрланадиган маҳаллий ширинликнинг бир тури; обакидандон.

**ШИМИРМОҚ** айн. **симирмоқ**. Айронни шимирмоқ. Яхна чойни шимирмоқ. Майни шимирмоқ. — Йегиш югуриб бориб қўтон орқасидаги ўтовларнинг биридан меида қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр навбатлашиб, икки қосадан шимирдилар. А. Мухтор, Чинор. | Ичига тортмоқ; нафас олмақ. Марҳамат тоғнинг тоза ҳавосини шимириб олдинга юрар экан, гўзал манзаралар баҳрани очди. Т. Расулов, Марҳамат.

**ШИМИТМОҚ** **шиммок** фл. орт. н. Қудуқларда сув камайиб қолганда қўйларга тонг шабнами кўнган гийҳ шимитиб, ҳафталаб сувсиз ҳам олиб юрди. С. Нуров, Дурдона.

**ШИМИШМОҚ** **шиммок** фл. бирг. н. **ШИММОК** 1 Сууюқлик, ҳаво ва ш.к.ларни ичига ёки таркибига тортмоқ, ўзига сингдирмоқ. Пахта ёғни шимиб олди. Суви ер шимиб олди. — [Гуанор] тер, мой ва чанени йилларча шимган, жияги чармдай қотиб, кирдан йилтираган бу дўпчини яна тозаллади, қоқди, кўзларига суртиб ўнди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 айн. **сўрмоқ** 1. Қанд шиммоқ. — Уроқ.. чўнтагидан конфет олиб оғзига ташлаб шима бошлади. И. Муқимов, Матонатли кишилар. Асаларининг уяси! Турган битгани асал! Мана, мана, сиқсанг, асал қоқди. Буни оқ мум, ҳаром эмас — шимса ҳам бўлади. А. Қаххор, Анор.

**ШИМОЛ** [а] 1 Дунёнинг тўрт томонидан бири — жанубга қарама-қарши бўлган томон. Қомпас стрелкаси шимолни кўрсатиб турипти. — Кечагина шимол ўлкасида Юрган чоғи эсига тушди. Ё. Мирза. От шимолга қараб бурилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Маълум бир жой ёки территориянинг шимол томондаги қисми. Фарғонанинг шимоли. Африканинг шимолида. — Кўк гўмбазида худди найзадий санчилган шимол томондаги тоғ чўққиси устида бир парча қора булут сузиб юрибди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ер шарининг шимолий қутбига яқин, совуқ минтақадаги жойлар, ўлкалар. Шамолдан тез учган поездлар ҳам то Шимолга етгунча кетади ҳолдан. Ҳ. Олимжон.

**ШИМОЛИЙ** [а] Шимол томондаги, шимол томонда жойлашган. Шимоллий қутб. Шимоллий Атлантика. — Суви анча тортилиб қолган кўлнинг ши-

молий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ШИМОЛИ-ШАРҚ** Уфқнинг шимол ва шарқ орилигидаги томони. Шимол-шарқдан қора булут кўринди. **ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ** Шимол-шарқ томондаги; шимол-шарққа оид. Вокзал шаҳарнинг шимол-шарқий қисмида эди.

**ШИМОЛИ-ҒАРБ** Уфқнинг шимол ва ғарб орилигидаги томони. Тена устига сипоҳлар туриши учун бир неча бинолар солинган, жануби-ғарбга қаратиб бир, ғарбга қаратиб бир ва шимол-ғарбга қаратиб яна бир; бариси учта тўп қўйилган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бизнинг ҳовлининг шимол-ғарбида биздан унча узоқ бўлмаган бир мазор бор эди. Айний, Эсдалиқлар.

**ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ** Шимол-ғарб томондаги; шимол-ғарбга оид. Сибирнинг шимол-ғарбий қисми.

**ШИМОЛЛИК** Шимолда, шимол томонда туғилган ёки шимол томонда яшовчи киши. Шимолликлар совуққа чидамли бўлади.

**ШИМПАҢЗЕ** [р<фр] Африканинг тропик ўрмонларида яшайдиган одамсимон маймун.

**ШИНА** [р<нем] Ҳаракатни енгилаштириш учун филдиракка кийдириб қўйиладиган резина гардиш. Автомобиль филдирагининг шинаси. Шина заводи. — Урганч шаҳрининг чеккасида шиналарни ремонт қилиб қайта тикловчи янги завод қад кўтарди. Ф. Зоҳидов, Хоразм шинаси.

**ШИНАВАНДА** [ф-т] 1 Бирор нарсага ниҳоятда ихлос қўйган; ихлосманд, ишқибоз, мухлис. Санъат шинавандалари. — Ҳинд қўшиқлари жаҳонга машҳур, Совет Иттифоқида бу қўшиқларнинг шинавандалари кўп. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. Тиним билмас техника шинавандалари ишлаб чиқаришга жорий этаётган янгилликлар биз дарё бўлса, юқорида эслатганимиз ундан қатрадир. Ж. Холқоров, Машъал. Ғози чойхонага қараб ачинди: «Шинавандалар, мижозлар орттирган эдим». И. Раҳим, Ихлос.

2 Бирор ишга омил, уни яхши билладиган, ҳадисини олган. Қани, мен тўғрай, шинавандароқман. Ж. Шарипов, Саодат. У ерда [Ленинград колхозиди] шинаванда, меҳнатсевар, ватанпарвар, диди жойида кишилар яшайди. «Мушгум», 1962, № 6.

3 Киши дилидагини топиб гапирадиган; дидли. Дилкаш, шинаванда бо-бой билан узоқ суҳбатлашдик. Ҳ. Назир, Маёқ сари.

4 Улфат учун ҳеч нарсани аямайдиган, одамшаванда. Жуда шинаванда йегиш эди-да. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШИНАК** [ф-т] тск. 1 Қўрғон, оқоп каби истехкомлар деворидан душманни кузатиш ва отиш учун қилинган маҳсус туйнукча. Қўрғон бурчидаги ши-

нак орасидан узун бўйли, қора соқолли бир кишининг оташин назари узоқларга тикилган эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 Душманни кузатиш ва ундан сақланиш мумкин бўлган пана жой, кўрғон девори, оқоп ва ш. к. Яроғ олмай қолганлардан эҳтиёт қисм тайёрлаб шинак орқасига қўйди, хотинлардан шафқат ҳамширалари тўдаси тузди. Айний, Қуллар.

**ШИНАМ** 1 Кишининг бахри-дили очиладиган, кўркам; ихчам ва қулай. Шинам хона. — Солижоннинг чиройли Шинам кутубхонаси. Уғлим ағло ўқир деб Севиб ота-онаси — Атайлаб ўзига хос Тузоб берган бир уйча. Қ. Мухаммадий. Қатортолликлар чиройли ва шинам уйларни кўрача, юраклари севинч-қувонч билан тўлиб-тошди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бир ярим ойда уч хонали шинамгина ферма куриб бердик. Ҳ. Умарбеков, Чўлда бир кун. Қавушдўз Исоқ отанинг шаҳар ташқарисидида уч таноб келадиган шинам боғи бор. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Хайри қадам қўяр бир кўрғон сари, Чаманзор ҳовлиси кўркам ва шинам. Х. Расул | Бу гўзал гул ранга-барангу шилдираш сув ҳам шинам, Жой сўлим, гоҳ ойдину чоғи қоронғи ҳам шинам. С. Абдулла. | Ярашиб турадиган, ихчам, мўъжаз. Шинам пальто. Шинам этик. — Қабулга келган қиз шинамгина туфлисининг баланд поиналарини тақиллатиб, стул олдиға юриб келди-да, атлас кўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || Бўлис буларнинг ҳаммасини яхши танийди, бироқ Утапнинг ёнида ўтирган ўрта бўйли, озгининга, шинам кийинган йегиш унга нотаниш. Ҳ. Ғулум, Машъал.

2 Хуш ёқадиган, ёқимли, мароқли. Унинг шинам овози гўё «Кўча боғи» учун, «Кўча боғи»нинг мафтункор оҳанги эса Ғулумжон учун яратилгандек янгар эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. || Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангомалар бўлар кўп шинам. Ф. Ғулум.

**ШИНГАРФ** [ф-т] кт. Қизил рангли минерал, олтингургуртли симоб.

**ШИНГИЛ** Узум бошининг бир неча доналардан иборат шохчаси. Бир шингил узум. — Узум узсам узумзордан бир шингил, Асалман дер, ширинликда дағвоси. С. Абдулла. Анавр ўзидан нарироққа тушган бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки гўжумини ҳамроҳиға узатди, «Ма, Раъно». А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

◆ Бир шингил 1) катта ва бир бутун нарсанинг бир бўлаги, кичик бир қисми. Бу катта шининг бир шингилли, холос; 2) озгина, бир оз. Бир шингил ашула эшитсак. — Қудрат нон, колбасаларни тўғраркан, фронт воқеаларидан бир шингил, бир шингил ҳикоя қилиб берди. З. Фатхуллин, Сўн-

мас юлдуз. || Ҳар иккалови ҳам бир-бирини бир шингилдан чандишиб олишди. Х. Шамс, Душман.

**ШИНГИЛИНГ** айн. шинам.  
**ШИНГИЛЛАМОҚ** Шингил-шингил қилиб синдирмақ, шингилга ажратиб олмоқ. Шиниллаб емоқ (узумни).

**ШИНГИЛ-ШАПОҚ** Ҳар хил йирикликдаги узум бошлари ва шингиллар ҳақида.

**ШИНЕЛЬ** [р] Махсус бичимдаги формали пальто. Шинель кийган солдат. Милиционерлар шинели. — Машинадаги жангчиларнинг янги шинеларидан .. уларнинг узоқ фронт орқасидан келишадиганини пайқаш қийин эмас эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ШИННИ** Тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрладиган қиём. Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди. Димоғни шод этар, руҳни саломат. Ф. Ғулом. Шойибофлар узун суна устига солинган палосларда ўтириб, дастурхона даста-даста қилиб қўйилган нонларни ушатиб, пиёдалардаги шиниларга ботириб ер эдилар. М. Осим, Элчилар. [Юсуфжон:] .. Ғинг дегин, қонингни шинидек шимирай! Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ШИНГИЛЛАМОҚ** айн. шингирламоқ.

**ШИНГИЛЛАТМОҚ** шингилламоқ фл. орт. н.

**ШИНГИРЛАМОҚ** Металл буюмлар бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товушга ўхшаш овоз чиқармоқ; жиригламоқ. Қўшни кўчада шингирлаб, ерни дириллатиб трамвай ўтиб кетди. А. Муҳиддин, Ихтирочилар.

**ШИНГИРЛАТМОҚ** шингирламоқ фл. орт. н. Қўнғироқни шингирлатмоқ.

**ШИНҒИРЛАМОҚ** дағл. Мўлтайдик тикилиб турмоқ, анграйиб кузатиб турмоқ. [Бойдавлатов муовини:] Узингда турипти айб, кулма бировга шинғирайиб. «Муштум», 1960, № 22.

**ШИОР** [а] 1 Бош идея, масала ёки сиёсий талабни ифодаловчи қисқа формада баён қилинган чақириқ. Сўнгра [Элмурод] Лениннинг бу вақтларда шиор бўлган машҳур сўзини ҳарфма-ҳарф чўзиб-чўзиб такрорлади: «.. Саводсиз мамлакатда коммунизм жамияти қуриб бўлмайди!» П. Турсун, Ўқитувчи. | Фаолиятдаги бош принцип, асосий мақсад. Адолатнинг «ўзимизни шуда ҳам кўрсатайлик» деган сўзлари бригада қизларининг жанговар шиори бўлиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 с. т. Шундай чақириқ ёзилган плакат. Шиорни девора осмоқ.

**ШИП** 1 Хона, уй ичининг тепа қисми, томнинг хона ичидан кўринадиган сирти. Шипи фанердан қилинган уй. — Борсам, [волида] тилдан қолип-тилар; калта-калта нафас олиб шипга қараб ётибдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Хона ўртасида.. каттакон стол, атрофида вена стуллари, икки дераза ўртасида шипга етлари катта

тош ойна .. бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Кўзи шипга битди** бутунлай ҳолсизланиб ётди. Кўзлари шипга битган, Тан эзилган, елкадан Оғир юк босиб ётар. Ф. Ғулом. Шипдай бўлиб турмоқ бутун бўйи-баста билан бирор кимса олдида ёки яқинида тик туриб олмоқ, қаққайиб турмоқ. Эшик олдида шипдай бўлиб турган эрини кўриши билан ваҳимага тушган Рисолат: — Нима гап? — деди ва югуриб ёнига келди. Ғайратий, Довдираш.

**ШИП** 2 тақл. с. Енгил қадам ташлаб юрганда ёки қоғоз ишқалганда ҳосил бўладиган кучсиз узук товуш ҳақида. Бу одам уйқусида шип этган товушни ҳам сезади. — Кўкқисдан «шип» этган бир шарпа уни [Назар акани] тўхтатди. Ғайратий, Довдираш.

◆ **Шип этиб** бирпасда, тезлик билан, тезгина. Эртага Алига айтаман, машинасида шип этиб Маргилонга бориб келасиз. **Кулоғи шип битди** кулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди. Махсумнинг оғзидан чиқадиган ҳар битта сўз тоқдек миясига тегиб, икки кулоғини шип битириб қўйди. В. Ғофуров, Вафодор.

**ШИП** 3 [р] Каспий, Орол, Қора денгиз ҳавзаларида яшайдиган, осётрисмонлар оиласига мансуб йирик баллиқ; филмой.

**ШИПИЛДОҚ**: шипилдоқ товушлар лингв. шовқинли сирғалувчи тил олди «ш», «ж» (мас. «журнал» сўзидаги «ж») ундошлари.

**ШИПИЛЛАМОҚ** 1 Қоғоз ишқалганда ҳосил бўладиган товуш каби заиф товуш ҳосил қилмоқ; «шип-шип» қилмоқ; шитирламоқ. Ҳовлида дарахт шохлари шипиллаб, қизни чорлагандай бўлди. Ж. Саъдуллаев, Қиз орузси. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган, бутун касалхона уйқуда. Фақат аҳён-аҳёнда шипиллаган оёқ товуши эшитилиб қолади. Х. Тўхтабоев, Садоқат.

2 Енгил ва тез-тез юрмоқ; зипилламоқ. — «Лайлатулқадр» бизларни иззат қилиб ўз оғи билан уйимизга кириб келган экан. Ана, ҳозир шипиллаб чиқиб кетдилар, — деди Шарифа буви эрига. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. У [Хайри хола] ҳашарчиларни алқай-алқай, шипиллаганча кўрғончага кириб кетди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ШИПИЛЛАТМОҚ** шипилламоқ фл. орт. н. Аллақерда ҳуштак чалиб, кейин остановка асфальтини бир сидра биракайига шипиллатиб супуриб ўтган муздек ел .. Умматалиннинг этини жунжитди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ғуломжон .. яланг оёқларини шипиллатиб, қантак ўрик тағиза келиб тўхтади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИПИЛЛОВЧИ**: шипилловчи товушлар айн. шипилдоқ товушлар қ. шипилдоқ.

**ШИПИРГИ** айн. супурги 1.

**ШИПИРИШМОҚ** шипирмоқ фл. бирг. н. Қизлар ҳовли ва уйларни шипиришди. Болалар патнисдаги қант-қурсларни ҳам шипиришди.

**ШИПИРЛАМОҚ** айн. шипилламоқ.  
**ШИПИРЛАТМОҚ** шипирламоқ фл. орт. н.

**ШИПИРМА**: шипирма қилич тиги қайрилган эгри қилич; шоп.

**ШИПИРМОҚ** 1 диал. Супурмоқ. Отабой унинг [Краузеининг] дорихонасига юк ташиган, Олмаҳон эшик шипириб, кир ювган. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. Машина уларни сонсиз панжалари билан тинмай шипириб ўз қомига тортмоқда, дақиқа сайин эгательарни оқ олтидан шип-шийдам қилмоқда. Х. Назир, Ўтлар тугашганда.

2 кўча Йиғиштириб олиб кетмоқ, шип-шийдам қилмоқ. Ўғриллар айёр бўлади, ўғлим. Улар тун қоронғисида келади-да, бирпасда шипиради — кетади. Ойбек, Болалик. Эртами-индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, ўйни шип-шийдам қилиб кетади. С. Аҳмад, Уфқ.

3 кўча Кесиб, узиб ёки учириб кетмоқ (тиғ, ўқ ва ш. к. ҳақида). Кеча Ҳомид хансарли қўлини силаб тортганда, ханжар унинг [Отабекнинг] бош бармоғи орасини суякка етаунча шипириб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 с. т. Батамом еб тугатмоқ, еб қўймоқ. [Эшон] «ўлдирса ҳам паловхонтўра ўлдирсин» қилиб, лаган-лаган ошини шипирибди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

**ШИППАК** Одатда ёзда кийиладиган, шунингдек уйда оёққа илиб юриладиган енгил оёқ кийими; сандал. Анчадан кейин шиппак товуши яқинлашди-да, эшик қирсиллаб очилди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

**ШИПТИР** диал. Сийдик. Йўлчи қуруқ наमतга ётиб устига кўрпача ётди. Кўрпачадан зах тиги билан от шиптирининг қўлансаси димоққа урди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШИПШИ** 1 Қулоққа охишта айтиладиган гап, сўз; пичирлаш. Йигит уни мўъжаз қоматидан, чаққон юришидан дарҳол таниди. «Ҳаёт! Ҳаётим!» деб юборди у, қулоқлариға бақирикдай эшитилган бир шипши билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўча Яширин маъно, қочирим. Бошқалар ҳам бекка ҳайратланиб қарашди. Чунки унинг сўз оҳангида, ҳаракатида сирли бир шипши бор эди. Х. Нуъмон, А. Шорахмедов Ота.

**ШИП-ШИЙДАМ** шийдам с. инт. Тунов кунни қарасам, бир туп ёнғоқ сийрақлашиб қолибди. Болалар қоққандир деб ўйладим. Бошқа кунни яна бир туп ёнғоқ шип-шийдам бўлибди. С. Анорбоев, Оқсой. Фозилжоннинг дўжонлари шип-шийдам бўлиб қолди. И. Раҳим, Ҳилола.

**ШИПШИМОҚ** Паст овоз билан бирор нарса демоқ; пичирламоқ. Иван

**Василич** .. Майнанинг енгидан тезгина тортиб қўйди ва унинг қулоғига секингина: «Фрунзе», деб шипшиди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.— **Хўп, бўлмаса**,— деди чол ва тўсатдан унга энгашиб, худди бошқалар эшитиб қолшидан қўрққандай, шипшиди. О. Ёқубов, Ларза.— **Уйга толиб қолганимда нариги хонада [онамнинг] Сўнагулга шипшиганини эшитиб қоламан**,...— деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр ненинг тақдиримда.

**ШИП-ШИП шип** II с. тақр. Қайиқ шип-шип этиб сузиб борар .. эди. Ж. Шарипов, Хоразм. **Автомоб текис асфальт йўлда физиллайди**, қаршингиздан учиб келаятган енгил машиналар ёнингиздан шип-шип ўтади. Й. Шамшаров, Пахтақайнар. **Шу пайт эшик «ғийқ» этиб очилди**. Қимдир шип-шип юриб кела бошлади. Э. Усмонов, Қўнғил.

**ШИПШИТМОҚ** Бошқаларга билдирмасдан бирор хабар ёки маълумот бермоқ, билдириб қўймоқ.— **У уйга чой сўрашса, Йўлчи акангага келиб шипшит**, Тулнор қизим!— деб тўй бекаси Лутфинисо кетди. Ойбек, Қўтулғ қон. **Йў-йў, энди укам, бир оғиз телефонда шипшитиб қўймайсанмики, мен пешвоз чиқиб, кутиб олмайманми!** С. Анорбоев, Оқсой.

**ШИР I тақл. с.** Юпқа газмол йиртилганда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. **Шу пайт шир этган товуш эшитилди-ю**, қизнинг назарини ўзига тортди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **У қўлини бўшатган чоқдаёқ, Отабек ишини тўғриллаган**, яъни Хомиднинг қорнини шир этиб ёриб юборган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Чумчуқ пир этса, юраги шир** этади ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, қўрқоқ одам ҳақида айтиладиган ибора. [Холмат:] **Пичоқни шу Ҳасан аканга урадимми? Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю, бунинг!** Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шир этиб** ногаҳон, бирдан, қўққисдан.— **Ҳозир ҳаво яхши, эрта-индин шир этиб**, намегарчилик бошланса, қўл билан қайси бирини териб бўлади,— деди Салим ота. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Шир яланғоч** ҳеч нарса киймаган, кип-яланғоч. **Холжон хола ўлиб**, бир неча минг йилдан кейин кўзини очса, маъшироғода юрган эмиш, .. ҳамма шир яланғоч. Ғайратий, Довдираш.

**ШИР II [ф-т] айн. сут** 1, 2. **Бинобарин, шоҳ қуллариға муруват қилиб**, берадиган емагини андак ошириб, ҳафтага шир, ойга бир эшит ҳам улаштиради. А. Мухтор, Чинор.

◆ **Шир шаркар ад.** маълум бир тартибда икки тилда ёзилган шеър. Махмурнинг «Дар сифати Қосим беклар беги» сатираси шир шаркар усулида ёзилган.

**ШИРА I [ф-т] I** Хўл мева ва поллиз экнлари пишиб етилиши билан улар таркибда ҳосил бўладиган ширин суюқлик; шарбат. **Узумнинг шираси.**

**Қовун шираси.** — **У [қози домла] бир неча лаҳзада косани тушириб**, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудай бўлиб турган шафтолига қўлурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қовун пишди**, анор қизарди, .. сенга атаб қўйган узумларим халта ичидан шира боғлаб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | **Ўсимликлар танасида бўладиган суюқлик**, намлик. **Пичан тез ўриб олинмаса**, .. шираси кетади. И. Раҳим, Ихлос. **Эреши барг шираси сингиб кетган қадоқ кафтига боқди**. А. Мухтор, Чинор.

2 **Инсон ёки ҳайвон организми хужайраларида бўладиган суюқлик**. **Меъда ости шираси**. Баъзи безлар ўзидан шира чиқариб туради. — **Булар [баъзи овқатлар] ошқозон ости беши шираларининг кўп-кам чиқарилишига ёки ошқозон ва ичакларнинг ҳаракатига таъсир қилади**. Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

3 **с. т.** Кўкнор пўстини сувда эзиб тайёрланган, кайф берадиган ичимлик.

4 **кўчма** Бирор асар, гап, сўз ва ш. к.нинг мазмуни, маъноси, моҳияти. **Гапиниқ шираси йўқ одам**. — **Бир халқ тилидаги асар иккинчи халқ тилига шу асарнинг бутун фазилати, шираси, жозибаси сақланиб таржима қилингандагина мақсадага эришилади**. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 216.

5 **кўчма** Оҳангдорлик, жарангдорлик; ёқимлилик (овоз ҳақида). **Овознинг шираси қонган**, кексалки. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Шира тортмоқ (ёки боғламоқ)** 1) қанд каби ширин бўла бошламоқ. **Узумлар шира боғлапти**; 2) қайнаб етилмоқ; қуюла бошламоқ (баъзи овқатлар ҳақида). **Мошхўрда шира тортди**. **Сумалак кўп қайнаб**, шира боғлаб қолди; 3) **кўчма** ёқимли, жарангдор бўлмоқ, тобига келмоқ (овоз ҳақида).— **Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт**, донги Хоразмга тарқалган,— деди Собир ака. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Кўзини шира босди** кеккайиб кетди, ҳеч кимни танимай, менсмай қўйди. **Эзинг нозу неъматлари ғанимат**, сендан дарак йўқ. **Ё бригадир бўлиб кўзингни шира босдимми?** Н. Ёқубов, Бўсагада.

**ШИРА II [ф-т] I** Ўсимлик ширасини сўриб озиқланадиган майда текинхўр ҳашарот; ўсимлик бити. **Бу йил қовунга шира тушди**. **Ширага қарши курашда химиявий дориворлардан фойдаланиш лозим**. — **Шира кўп касофат нарса**: ғўзанинг ёш бареларига ёпишди, уни бужмайтириб қўяди, қанча-қанча ҳосили нобуд бўлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 **с. т.** Ширавор.

**ШИРАВА [ф-т] I** Сут юзида ҳосил бўлган янги қаймоқ. **Ширава сут**. **Ширава қаймоқ**. **Сутнинг ширавасини пиёлага олмоқ**. **Ширавага нон ботириб ёмоқ**. — **Янги сутнинг мазаси ширавадан қолишмайди**. Р. Файзий, Балли она қизим. **Шарофат хола ўғли Мир**

**пўлатга олиб келган бир коса ширава сутни Алижоннинг олдига қўйди**. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.— **Офтобчувоқда ноништа қилиб ўтирибмиз**. **Ноништа қуюқ**: икки косачада ширава қаймоқ, узум,— деди Шокаржон. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 **кўчма** Қор, қиров, муз кабилардан ҳосил бўлган юпқа қатлам. **Совуқдан челадаги сув ширава боғлабди**. — **Кечас биринчи ширава қор ёғиб чиқди**. Ф. Ғулум, Шум бола.

**ШИРАВОР [ф-т]** Қанд-қурс, мева-чева каби ширин нарсалар мажмуи; ширинликлар.

**ШИРАВОРПАЗ [ф-т]** Ширинликлар пиширувчи, мас. шакарпаз, қандолатчи, холвачи. **Халқ театрида шираворпаз**, нонвой ва бошқаларга бағишланган комедиялар учрайди. М. Қодиров, Ўзбек халқ драмаси.

**ШИРАВОРЧИ айн. шираворпаз.**

**ШИРАДОР [ф-т] айн. ширали.** **Ширадор қовун**. — **Ҳозир ҳамма ерда дағал ва ширадор ем-хашак тайёрланмоқда**. А. Махсумов, Август ҳал қилувчи ой. **Унинг ҳар қандай ашула шинавандасини ўзига ром қила оладиган кучли ва ширадор овози бор**. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ШИРАДОРЛИК ширадор с.** белги оти. **Тутларнинг тури бемаза қовуннинг уруғидан ҳам кўп**. Аммо халқ хўжалигида тутган ўрни, мевасининг ширадорлиги, қиймати жиҳатидан ҳеч бири балхи тутга тўғри келмайди. М. Тўйчиев, Болта урманг.

**ШИРАКАЙФ [ф-т+а]** Бироз маст, озгина кайфи бор, қиттак ичиб олган. **Ширакайф киши**. **Ширакайф бўлмоқ**. — **Кумрини ярим кечада ширакайф эри Салим аравакаш қақриб кетди**. Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар. **Мансур Раҳмоннинг олдидан ширакайф ҳолда хайрлашиб чиқиб кетди**. Е. Шукуров, Уч савол. [Арабжон] баъзи кунлари .. ширакайф келарди. С. Зуннунова, Излар.

**ШИРАЛИ I** Таркибда шираси кўп; ширадор. **Ширали узум**. **Ширали озуқа**. — **Поллизлардаги ширали қовунлар кечки куз совуғида ёрилиб кетиб**, «мени енглар» деб термилиб турибди. Ж. Шарипов, Хоразм. **Бутазорнинг ўртаси яланглик**. **У ерда жуда ширали ўтлар ўсади**. С. Анорбоев, Оқсой.

2 **кўчма** Мазмунли, маънодор; сермазмун. **Ширали гап**. — **У [Элмурод] баъзан ўзи русча ўқианларини гапириб берар**, лекин бу ўқиб бергандай ширали ва маънодор бўлмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 **кўчма** Хуш ёқадиган, ёқимли; жарангдор (овоз, куй ва ш. к. ҳақида). **Бу қўшиқ шунчалар ёқимли**, ширали эдики, темирчи йигитнинг юраида алақандай бир хисни уйғотиб юборди. С. Аҳмад, Ҳўкми.

**ШИРАЛИК I** Ширинлик, қанд-қурс; мева-чева.

2 **айн. ширали.** **Юзбошилар қаторида ўтирган оптоқ лўпти юзли йигит**

концертни очиб, хатни чироқ шуғласига тутди, ширалликни овози билан қироат қилиб ўқий бошлади. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ШИРАЛИЛИК** ширали с. белги оти. Тарвузнинг ширалилиги. Овознинг ширалилиги.

**ШИРАПАЗ** [ф-т] айн. шираворпаз. **ШИРАПАЗЛИК** ширапаз с. касб оти.

**ШИРАСИЗ** 1 Шираси йўқ; мазасиз. *Ширасиз мева. Ширасиз озуқа.*

2 *Кўчма* Мазмун йўқ, мазмунсиз, маъносиз; зериктирарли. *Ширасиз лекция.* — Бу газеталардаги кўпгина материаллар юзаки бўлиб, ширасиз тил билан ёзилган ва газетхонларга фалон жойда иш яхши, фалон жойда иш ёмон, деган хабарларни етказди холос. Ш. Рашидов, Матбуот, радио, кино ва телевидение — партиянинг идеология соҳасидаги зарбдор кучлари.

3 *Кўчма* Хуш ёқмайдиған, ёқимсиз (овоз, куй ва ш. к. ҳақида). *Ширасиз овоз.*

**ШИРАЧ** айн. сирач. Қичкина ўтмас газан билан чармларни кесдим. *Ширач билан бир-бирига ёпиштирдим.* Ойбек, Болалик.

**ШИРАЧЛАМОҚ** айн. сирачламоқ. Дўппи калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди. Т. Обидов, Юсуф-жон қизик.

**ШИРАЧЛАНМОҚ** ширачламоқ фл. мажҳ. н.

**ШИРАЧЛАТМОҚ** ширачламоқ фл. орт. н.

**ШИРВОЗ** [асли ширбоз <ф-т] Сут эмиб ўсаётган, семиз (қўй, эчки каби ҳайвон боласи ҳақида). *Ширвоз қўзичоқ.* — Хосхондан икки бекзот келганди .. Унга сўйиб бердик ширвоз қўзингни, ўз отаси олар бўпти қизингни. «Орзиғул». Шўх ширвоzlарнинг орасида Аваз даладан топанга тўсоқ қўзичалар ҳам ўйнақлаб юрибди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ШИРГУРУНЧ** айн. ширгуруч. Анзират хола шокосада ширгурунч келтириб Сидиқжоннинг олдига қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШИРГУРУЧ** [ф-т] Гуручни сутда пишириб тайёрланган шавласимон қуюқ таом. Кечкурунги овқат учун ширгуруч, қуймоқ, тухум кабилардан бири берилади. Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

**ШИРДОН** [ф-т] анат. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар меъдасининг бир бўлими. Чайналган овқат ютилганда ошқозоннинг тўртинчи бўлимига — ширдонга ўтади. «Зоология».

**ШИРЗАДА** [ф-т] 1 мед. Организмда минерал тузларнинг еттишаслиги, модда алмашинувининг бузилиши туфайли ёш болаларда учрайдиган суяк касали — суякларнинг ўз вақтида қотмай нотўғри ўсиши; рахит.

2 с. т. Шундай касалга чалинган бола.

**ШИРИЛЛАМОҚ** «Шир» этган овоз хосли қилмоқ. Чит ширллаб йиртил-

ди. — Бир жойда сувни тизгинлашга улгурса, нарироқдан ширллаб уриб кетади. Ойбек, О. в. шабдалар.

**ШИРИЛЛАТМОҚ** ширлламоқ фл. орт. н. *Ширллайтиб йиртмоқ.*

**ШИРИН** [ф-т] 1 Шакар, бол, қиём ва ш. к.нинг таъмига оид. Шираси ўткир, ширали. *Ширин қовун. Ширин ичимлик.* — Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг нордон неъматлари ёқмади. Ойбек, Қуёш қораймас. | Таъми ёқимли, тоғли, мазали; лаззатли. *Ширин шўрва.* — Албатта, албатта, — деди Сулаймонов жиддий қиёфада, — масалан, балиқ — кўп яхши нараса, қовурилса, қандай ширин бўлади! А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. Менинг икки онам бор, Иккиси ҳам меҳрибон. Бири менга сут берди, Бири эса ширин нон. Уйғун.

2 *Кўчма* Киши хузур қиладиган, ором оладиган, лаззатланадиган, хуш ёқадиган. *Ширин тўши. Ширин суҳбат. Ширин сўз шакардан ширин.* Мақол. — *Муҳаррам ширин табассум билан кулди-да, бежирим лабиниң икки бурчагини нозик тўр тутилган дастрўмолчаси билан артиб қўйди.* Шухрат, Шинелли йиллар. Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда, Ғ. Ғулом. || *У шовқин сурон ичида шундай ширин ухлардики, бундай уйқу ҳалол ишлаб чарчаган вақтдагина бўлиши мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Фели-хулқи ёқимли, ёқимтой. *Ширин бола. Тили ширин қиз.* — *Ольга Петровна қизалоқни кўрди-ю, худди у юраги жазиллаётгандек: — Вой, мунча ширин қиз экан! — деб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Дўмбилламай қолсин шу ширинлар-ей!* — *дегувчи эди, ҳарбийларни кўрганда бир ўртоғим.* Ойдин, Садаған бўлай, командир. | Ахил, тотув. *Ширин оила.* — *Дунёда битсин уруш Ер юзи кўрмасин доғ, Гулласин ширин турмуш, Тинчлик бўлсин ҳамма ёқ.* Қ. Муҳаммадий.

3 *Кўчма* Жуда яхши, жуда соз; ажойиб, ҳайрон қоларли. Бу киши ширин тўй қилиб берди. — Иккимиз бош қўшиб уйлантирсак .. Бу жуда ширин иш бўлар эди-да. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Ширин (хотин-қизлар исми).

◆ **Жони ширин** ўзини ниҳоятда аяйдиган, оғриққа, оғир ишга тоби йўқ.

**ШИРИНАК** [ф-т]: ширинак ўйнамоқ кимники ширин қиёши учун баҳсланимоқ (қовун, тарвуз ҳақида). *Полизларда тил ёрар анаслар тўрлар, шакарпалак, оқуруғлар дум бериб, ариқ бўйларига «ширинак» ўйинлари бошланиб кетганди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — *Бир ширинак ўйнаймиз, — деди раис ўйигларга.* — *Ҳар ким ўзи танлаб узиб чиқсин.* Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.

**ШИРИНДИМОҒ** [ф-т] Қайфияти яхши, димоғи чоғ, хурсанд. *Шириндимоғ ўйигт.* — *Кечагина машиначи қўлидан чиққан бостон ёки Ленинград ковер-*

котидан тикилган костюмингиз бўлса, қайфингиз чоғ, ўзингиз шириндимоғ! С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ШИРИНКОМА** Олди-сотди вақтида ўртада турган воситачига, даллолга бериладиган ҳақ, пул. *Ширинкома бермоқ.* — *Мана бу ширинкомаси, — деди пулни узатиб тўра.* — *Муҳлати — узоғи билан ўн кун.* Ж. Шарипов, Хоразм. — *Гапни чалғитма?! Мендан ширинкома ундирилмайсан, — деди Самоқбой.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**ШИРИНЛАМОҚ** кам қўлл. Ширин қилмоқ, маза киритмоқ. — *Чойларингизни ширинлагани келдим, — деди Бозоров.* — *Мана бир пакет новот.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШИРИНЛИК** 1 ширин с. белги оти. *Тарвузнинг ширинлиги. Суҳбатнинг ширинлиги. Боланиң ширинлиги.* — *Ширинлиги тил ёрар, ҳиди ўткир, бўйи паст. Пишеганини кўрдиму Ейман дея, қилдим қасд.* Уйғун.

2 Қанд-қурс каби ширин нарсаларнинг умумий номи, ширавор. *У ёшигида ҳам ширинликка ўч эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — *Тўйдан шу болага атаб бир кафт ширинлик ҳам келтирмабсан, — деди Уроз.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Гап унчалик қовушмаётгани учун бўлса керак, жувон чойни тўхтатди.* Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди. С. Анорбоев, Оқсой. | Овқатдан кейин бериладиган ширин таомларнинг умумий номи. *Дастурхон ёзилди, турли таомлар, ширинликлар тортилди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Меҳмонларга манти берилади, мантидан кейин уч-тўртта қовун сўйиб ширинлик қилинади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *Кўчма* Шоду хуррамлик, вақтичоғлик, хурсандлик; яхшилик. *Ширинлик билан ҳаёт кечирмоқ. Тўй ширинлик билан ўтди.* — [Хайит-жон:] .. *Ундан қўра, ширинлик билан ўйнаб-кулиб жавоб бер қўй.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ШИРИНМИЯ** Дуккакдилар оиласига мансуб, илдизи саноат ва медицинада ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; қизилмия. *Хайрабод дарёлари ёқаларида ширинмия деган ажойиб тўйимли озуқа кўп ўсади.* С. Умаров, Фурсат ганимат. *Айниқса у ерларда [Зарафшон қирғоғида] одам бўйи бараварида ўсадиган ширинмия молга ёқимли ва семиртирувчи бир ем эди.* Айний, Эсдалиқлар.

**ШИРИНСУХАН** [ф-т] айн. ширинсўз. *Ширинсухан аёл.* — *У [почча] ҳам хотинидай жуда ширинсухан, ҳазилкаш одам экан.* С. Анорбоев, Меҳр. *У [Умиднинг адаси] маст бўлганда биров билан уришмас, аксинча иноқ бўлиб, .. ашулалар айтиб берарди.* *Жуда ширинсухан ва бир оз эзма бўларди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ШИРИНСУХАНЛИК** ширинсухан с. белги оти. *Ширинсуханлик барчага*

баб-баравар мурувват кўрсатиш. халққа, партиязга садоқат билан хизмат қилиш демакдир. М. Муродов, Камтар бўлайлик.

**ШИРИНСҮЗ** Гапи, сўзи кишига ёқадиган, ёқимли гапирадиган; ширинсухан. *Ширинсўз йиғит.* — У одамларнинг ҳаммаси ҳам мулоийм, сермулозамат, сертаъзим, ширинсўз бўлар эди. А. Қаххор, Сароб.

**ШИРИНСҮЗЛИК** ширинсўз с. белги оти. Мунйисхон. келинчақдай абжирлик билан Саидийнинг қўлидан пальтосини олиб, қозикқа илди ва ўшандай ширинсўзлик билан ичкарига таклиф қилди. А. Қаххор, Сароб. Бу хотинда, ширинсўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олганда, сатангликдан учкун ҳам йўқ эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ШИРИНТАК** диал.: ширинтак ўйнамоқ айн. *ширинак ўйнамоқ қ. ширинтак.* Қовун сайилларида ширинтак ўйновчилар фақат Қаттақишлоқ қовунларини танлар ва уни қўдирад эди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ШИРИНТОЙ** с. т. Ёш болаларни суйиб, эркалаб айтиладиган сўз; ёқимтой. *Бобом қалин лабларини жўрттага қабартирд:* «Бўб-бўб-бўб .. Айланай ширинтойдан»,— деди. Ойбек, Болалик.

**ШИРИНТОМОҚ** Мазали, ширин овқатни яхши кўрадиган; ширинхўр. *Ширинтомоқ хотин.* — Соҳибкор ўзбексан, бу ер — полизинг, Мен эса — шахарлик бир ширинтомоқ. Ф. Гулом. Бу ерда ширинтомоқ бўлиб қолгансан. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШИРИНТУРУШ:** ширинтуруш чой шакар солиб совутилган чой, ширин яхна чой. *Латифжоннинг илжайиши маза-матрасиз ширинтуруш чойга ўхшаи туюлди.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

**ШИРИНХҲР** [ф-т] айн. ширинтомоқ.

**ШИРИНЧА** мед. Болаларда организмнинг заифлашуви туфайли баданга майда қизил яра-чақа тошиши билан характерланадиган касаллик. *Ширинча тошган бола.* Ширинча яраси.

**ШИРИНЧИЛИК** с. т. Ҳамжихатлик ва дўстлик кайфияти; дўстона вазият, тотувлик. *Оилада ширинчилик бўлгани яхши.* Ширинчилик билан ўтган тўй.

**ШИРИН-ШАКАР** 1 Жуда ширин, ниҳоятда ширин. *Ширин-шакар қовунлар.*

2 Турли ширинликлар мажмуи. *Ғиёсиддин аъламининг косогага ўхшаган қоп-қора қўлларида эса турли нозу-неъмат, ширин-шакар, қанд-курс, пастир-ширмонлар билан безатилиб, устига шойи рўмолчада қитдай туз қўйилган каттақон баркаш бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўча* Хулқи-атвори ёқадиган; ёқимли; суюмли. *Ширин-шакар болалар.*

**ШИРИҚ** тақл. с. Металл, шиша

парчалари каби нарсаларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган товуш ҳақида. *Ширқ этмоқ. Пиёла синиғи ширқ этиб ера туиди.*

**ШИРИҚЛАМОҚ** «Ширқ» этган овоз чиқармоқ; шиқирламоқ. *Стул турли ноз-неъматлар билан безатилган, унинг бир четигади кичкина сариқ самовар устида турган қизил чойнакнинг қоп-қоғи ширқлар эди.* А. Қаххор, Картина. *От туёқлари бўғиқ тап-тап қиладди, эгар-жабдуқлар аста ширқлайди.* С. Анорбоев, Ғузалик излаб.

**ШИРИҚЛАТМОҚ** ширқламоқ фл. орт. н. Эшикнинг занжирини ширқламоқ. — *Мамарайим афанди.. шилт этиб ичкари кирди, ўнг томондаги деразаларнинг пардаларини ширқла-тиб тортиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИРКАТ** [а] 1 Маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кайшиллар ҳамкорлиги, ўртоқлик уюшмаси, бирлашмаси. *Улар ер, сув, от-улово, омон-бўйинтуруғини бир ерга тўйлаб, катта ширкат тузишди.* Ҳ. Гулом, Машғал. *Зум ўтмай: «Ҳамма ширкат идорасига борсин, Охунбобоев ваъз айтади»,— деб хабар қилишди.* Р. Раҳмонов, Изиди гул унган.

2 Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган саноат ёки савдо уюшмаси. *Пайчилик ширкати.* — *Абдулланинг отаси Азиз ака керосинфуруши эди. От-арава билан кўчама-кўча юриб, Нобель ширкатининг керосинини сотар эди.* Ф. Гулом, Шум бола. У [Мирзо] *Николай замонасида, ширкатларда, фирмаларда кирзолик қилиб, ўз хизматини манзур қилган эди.* А. Қаххор, Мирзо.

**ШИРМА** [р<нем] Хонани бўлиш, айририш учун ишлатиладиган махсус йиғма тўсиқ, парда девор. *Моҳидил ширма орқасига ўтиб ечина бошлади.* Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон.

**ШИРМОЙ(И), ширмой(и)** нон Олий навли унга нўхат унidan қўшиб, сут ва ёғ солиб тайёрланган нон. *Фаҳриддин бозордан, отаси тайинлаганча, иккита ширмой нон, ярим қадоқ писта олди.* А. Қаххор, Бошсиз одам.

**ШИРМОН**, ширмон нон с. т. Ширмой(и). *Қиз ширмондан бир бурда ушатиб йиғитга узатди.* Х. Гулом, Ташкентликлар.

◆ **Ширмон юз** лўппи ва қизил юз. *Нормат Адолатнинг ширмон юзидан ўнди ва она бағрига отилди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ШИРМОЛҒА** диал. Овланган ов, ўлжа ёки ютуқнинг бировга бериладиган қисми; чўтал. *Шундай мерганлар ўзимизнинг элда бир нима олиб келатса, биров широлға деб олдиға чиқса, иккита бўлса — биттасини, битта бўлса — яримтасини широлға деб бериб кетади.* «Ёдгор».

**ШИРТ** тақл. с. Ип, барг кабилар узилганда ёки қирқилганда ҳосил бўладиган қисқа товуш ҳақида. *Ип*

*ширт этиб узилди.* У гулни ширт этиб кесиб олди.

**ШИРТ-ШИРТ** ширт с. тақр. *Ширт-ширт ўт юлмоқ.* — *Дарахтлардан ширт-ширт этиб узиларди яроқлар.* Р. Файзий. *Ҳовлидаги кекса тутга чироқ шуъласи тўшиб, унда нотайин бир кўланка кезар, ичкаридан «ширт-ширт» этган товуш эшитилар эди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ШИРХҲРА** [ф-т] Бир онани эмган, эмишган; эмикдош. *Лекин Холмўминнинг онаси ўлди, бола этак остида қолди, Холбеканинг онаси эмишиб катта қилди.* Булар ширхўра бўлиб, ниқоҳ юрмайдиган бўлиб қолди. «Кунтуғмиш».

**ШИРХҲРДА** [ф-т] Сутда пишириладиган хўрда. *Баъзида.. «ширқовоқ» ва «ширхўрда» каби таомлар, совуғанда ҳам ўз лаззатини йўқотмаганлиги учун, ёзнинг иссиқ кунларида совуқ ош сифатида истеъмол қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ШИРЧОЙ** I [ф-т+хит] Мароми билан чой, туз, сариқ ёғ ва мурч солиб қайнатилган сут. *Ширчой ичмоқ.* — [Мунаввар] *нонуштага, одатдагидай, ширчой тайёрлаган эди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Йўлдошанинг онаси икки чинни косада ширчой узатди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ШИРЧОЙ** II [ф-т+хит] Атир гуллilar оиласига мансуб, илдизи бўёқ ва ишқор моддаларига бой кўп йиллик ўт.

**ШИР-ШИР** шир I с. тақр. У [Марҳамат] *устига .. ялтироқ плаш ёпи-ниб олган, плаш устидан худди ойнани ювгандай шир-шир сув сидирилиб тушмоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ШИРҚ** айн. ширқ. *Ширқ этиб эшикнинг қулфи очилди.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

**ШИРҚИЛЛАМОҚ** «Ширқ-ширқ» этган товуш чиқармоқ, ширқламоқ, ширқирамоқ. *Беда беллик билқиллаб, Меҳтарада сув ширқиллаб, Йўлга туишди қирқ ботир, Бедов отлар ширқиллаб.* «Хушкелди».

**ШИРҚИЛЛАТМОҚ** ширқилламоқ фл. орт. н. *Ширқиллатиб энди ёйни тортади, Ёйнинг ўқи бу ғувиллаб кетади.* «Алпомиш».

**ШИРҚИРАМОҚ** «Шилдир-шилдир» товуш чиқармоқ, шилдирамоқ. *Оққан сувдай ширқираб, Шамолдай бўп боради.* «Равшан».

**ШИРҚИРАТМОҚ** ширқирамоқ фл. орт. н.

**ШИРҚОВОҚ** Сут ва ошқовоқ солиб пишириладиган хўрда. *Кечки овқатга хўжайин ширқовоқ қилдирган экан, олиб чиқиб олдимизга қўйди.* Ф. Гулом, Шум бола.

**ШИРҚ-ШИРҚ** ширқ с. тақр. **ШИТ** унд. с. Паррандани чўчитиш, ҳайдаш учун ишлатилади. *Чумчуқни шит деб учуриб юбордим.* — [Жўра:] *У колхозга ёт одам, шит дединг, учадикетади.* Уйғун, Дўстлар.



**ШИТИР** тақл. с. Куруқ ўт, шох-шабба, қоғоз ва ш. к.нинг қўзғалишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Шитир этмоқ. Шитир этган шарпа. Алланарса шитир этиб кетди.* — Мен «шитир» этган товушдан ҳадиксирайман, гапнинг ростки, ўз дўстим Холбойдан ҳам ҳадиксираб ўтирибман, — деди Усмон. О. Хусанов, Кўшиқчининг тақдири. || Аmmo шитиши шохлар шитирига қўшилиб кетди. *Ҳаёт шитмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИТИРЛАМОҚ** «Шитир» этган товуш чиқармоқ; «шитир-шитир» қилмоқ. *Қамишлар шитирлайди. Чакалакзордан шитирлаган овоз эшитилди. Куруқ шох шитираб ёнарди.* — Эшикни қаттиқроқ тақиллатган эдим, баланд девор ортидан шитирлаган овоз эшитилди, аммо ҳеч ким жавоб қилмади. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ШИТИРЛАТМОҚ** шитирламоқ фл. орт. н. Бареларни шитирлашиб ўйнаган ел отанинг соқолларига ҳам тегажоглик қилиб қолади. М. Кўшоқов, Чўл дафтарида. *Шабада қуриб қовжираб қолган ўтларни ёқимсиз шитирлатади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ШИТИР-ШИТИР** шитир с. тақр. Шитир-шитир қилмоқ (этмоқ). — *Тақсир,* — деди Мутал ва шитир-шитир кесақ тушира берди. А. Қодирий, Утган кунлар. || *Хас-хашакнинг шитир-шитири бирдан тиниб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ШИТОБ** Ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик; шошилиш, ошиқиш. *Жоним олурга келдингиз; Мунча шитобингиз нима? Хувайдо. Шитоб билан оқайтган сел Баҳромни ҳар бир дақиқада бирорта харсанга уриб майиб қилиши мумкин.* С. Анорбоев, Ҳамсубҳатлар. || *Жамолдин шитоб отдан тушиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Иван Петрович ўрнидан туриб шитоб қадамлар билан бир айланиб келди-да, Иброҳимовнинг рўпарасида тўхтади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Шитоб айлаб тезлик билан, шошилиш равишида, шиддат билан. Ҳалол меҳнат билан ғайрат қилиб, тун-кун шитоб айлаб, Ташибус бирла юрдик бизга ахир бўлди ром иқбол.* Ҳабибий.

**ШИТОБЛИК** шитоб с. маъж. от. — *Менга қаранг уста, сиз шитоблик билан Ғуломжонга хабар қилинг, шояд тадбирини топса,* — деди Сулаймон ака. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИФЕР** [р<нем] Асбест билан цементдан ёки сланецдан тайёрланадиган ва том ёпиш учун ишлатиладиган бинокорлик материали. *Том ёпиш учун икки юз тахта шифер керак.* — Дарвозахона олиндидаги усти шифер билан ёпилаган омонат гаражда .. эски бир «Москвич» турибди. С. Аҳмад, Таъзим.

**ШИФО** [а] 1 Касалликдан ҳалос бўлиш; соғайиш, тузалиш. [Шокир ота:] Энди шифони ёлғиз оллодан, халлоқ оламдан сўра. Табибларнинг

табиби у. Ойбек, Қутлўр қон. *Аmmo эшонга ихлол қўйиб, ундан шифо умид қилиб, касалларни олиб бориб ўқитадилар.* Айний, Эсдалиқлар. *Табиб қўй жигирини хомкабоб қилиб бужгун сепиб енг деган экан, бир-икки қипти, лекин дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Худо (ёки олло) шифо берсин* беморга тасалли бериш учун айтиладиган ибора. *Олло Тоҳиржонга шифо берсин, ниятим шу.* Ойбек, Қутлўр қон. *Тиланчи кампир яна қўлини кўтариб: — Худо шифо бергай! — деб дуо қилди.* Айний, Қуллар.

2 Бирор касалликдан ҳалос бўлиш, соғайиш воситаси; даво, дори. *Чортоқ суви кўп дардларнинг шифоси.* С. Абдулла. Э, э, болам, тоғ ҳавосига нима етсин. *Турган-битгани шифо-ку.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ШИФОБАХШ** [а+ф+т] Саломатликни яхшилайдиган, шифо бўладиган, даво бўладиган; шифоли. *Шифобахши сувлар. Шифобахши ёғ.* Шифобахши ҳаво. — Маълумки, *Ўзбекистон қуёшининг шифобахши хусусиятлари чексиз.* М. Жалолов, Шифокор. [Қудрат ариқдази сувдан бир ҳовуч олиб:] *Сенинг бу шифобахши сувинга ўн йил ташна бўлдим.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ШИФОБАХШЛИК** шифобахш с. маъж. от. Шифохонанинг .. минерал сувлари шифобахшликда денгиз сувидан қолшимайди. И. Шарафқўжаева, Мехрибонлар.

**ШИФОҚОР** [а+ф+т] Касалликдан ҳалос қилувчи; даволовчи, табиб. *Шифокорлар қадимги даврлардаёқ захарли моддаларнинг инсон сижат-саломатлиги учун нафи борлигини эътироф этганлар.* Э. Эгамбердиев, Заҳарнинг нафи.

**ШИФОЛАМОҚ** Касалликдан ҳалос қилмоқ, саломатлигини яхшиламоқ; даволамоқ. *Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганлари сингари, мен ҳам майда-чўйда касалларни шифолаб тураман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИФОЛАНМОҚ** шифоламоқ фл. ўзл. ва маъж. н. *Мен курортда шифоландим. Бу касалхонада юрак касаллари шифоланади.* — [Қудрат] .. уч ой муттасил жанговар сафдан чиқиб, госпиталларда шифоланди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ШИФОЛИ** айн. шифобахш. Шифоли балчиқ. Шифоли ҳаво. — *Бу шифоли сувнинг яхши хусусиятини шитган ва бу ерда даволанганини истаганлар тобора кўпайпти.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 12.

**ШИФОЛИК** шифо с. белги оти. Минерал сувнинг шифолиги. Бу ўсимликнинг шифолиги бор. — *Бир гал икки мулаваачча ўртасида; шифолик учун бўза ичилса, ҳалолми, ҳаромми? деган масала устида талаш қилди.* Буни шарият йўли билан ҳал қилиш учун эшондан сўраганларида у: «Азбаройи

шифолик учун бўза ичилса, ҳалол!» деб жавоб берди. П. Турсун, Уқитувчи. **ШИФОН** [р<фр] Юпқа ип ёки ипақ газлама. *Бир кийимлик шифон.* || Шифон кўйлак.

**ШИФОНЬЁР** [р<фр] Кийим-кечак сақланадиган шкаф, жавон. *Собиржон яна уйга кирди. Шифоньери очиб қараса, фақат ўз кийимлари осилиб турибди.* С. Шамсиева, Сепсиз келин. *Шифоньер ойнасига қараб сочини ўриб турган Ҳалима қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.* Х. Знёхонова, Қишлоқи.

**ШИФОСИЗ** Давоси йўқ, тузалмайдиган. *Тоҳиржон кино билан жиламади: — Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон захардек амал қилар экан.* Ойбек, Қутлўр қон.

**ШИФОХОНА** [а+ф+т] Даволаш муассасаси; касалхона. *Болалар шифохонаси.* — *Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди.* И. Раҳим, Ихлос. [Сорокин] *шифохонадан анча нарида, ўрмоннинг нариги четигаги маррани кўз олдига келтирди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ШИФР** [р<а] 1 Махфий ёзишмалар учун ишлатиладиган шартли белгилар, ҳарфлар ёки рақамлар; шартли, махфий алифбо. *Шифр билан ёзилган телеграмма. Хатни шифр билан ёзмоқ.*

2 Қутубхона китобларига, айрим ҳужжат ва ш. к.га қўйиладиган рўйхат рақами, бошқалардан фарқловчи белги.

**ШИФРЛАМОҚ** 1 Шифр билан ёзмоқ. *Телеграмма текстини шифрламоқ.*

2 Қутубхона китоблари, ҳужжат ва ш. к.га рўйхат рақам ёки бирор белги қўйиб чиқмоқ. *Китобларни шифрламоқ. Ҳужжатларни шифрламоқ.*

**ШИФРЛАНМОҚ** шифрламоқ фл. маъж. н. Шифрланган хат. *Китоблар шифрланди.*

**ШИФТ** айн. шип 1. *Бир вақтлар турли ранглар билан бўялаган уйини шифтлари отадибонда ёқилган ўт тутунидан хираланган.* Х. Шамс, Душман.

**ШИХАНГ:** шиханг бермоқ бирор ёмон иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, тезламоқ, гижгизламоқ; бировга қарши йўналтирмоқ. *Эрига шиханг беришга одатланган аёл.*

**ШИХАНГЛАМОҚ** айн. шиханг бермоқ қ. шиханг. *Тўнғиз қўнғур ўша «Қорағужанак» шиханглаяптими сизни? Ёмон йўлдошдан — йўнмаган таёқ яхши дегандай, бир кун сизнинг бошингизга етади у.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ШИХТА** [р<нем] махс. Хомашё (руда, кварц қуми ва ш. к.) ва ёқилғи аралашмасидан иборат эритишга тайёрланган қатлам. *Шиша пиширишда даставвал, шихта — хомашё аралашмаси тайёрланади.* М. Аминжонова, Шинанинг кашф этилиши.

**ШИШ** Организм тўқималарининг тащқи таъсир ёки касаллик туфайли бўр-



тиб чиқиши; бўртма; ўсма. *Ёмон иши. Ўпка иши. Шиши даволамоқ.* — Ахир дармоним йўқ, бод касалим бор, оёғим иши, бу йил менга раҳм қилинг, — деб ялинди Шариф ота. Ж. Шарипов, Хоразм. Агар бу иши газак иши бўлса пахтадоғ фойда қилади, лекин рақ иши бўлса авж олдиради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШИША** [ф-т] 1 Кварц қумига бошқа баъзи моддаларни қўшиб эритиш ва химиявий ишлов бериш йўли билан олинадиган қаттиқ ва шаффоф материал; ойна. *Шиша эритадиган печь. Шиша ишлаб чиқармоқ.* — Бу докторхона тўғрисида Сотиболдиннинг билгани шу: салқин, тинч, .. баланд ва чиройли оқ иморат; ишиша қабзали ишигида қўнғироқ тугмаси бор. А. Қаҳҳор, Бемор. Менга тескари ўйрилиб, чап кўзи — ишиша кўзини олиб, рў-молчаси билан арта бошлади. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. **Шиша ранг** ниҳоят тоза, мусаффо, шаффоф. *Шиша ранг осмон.* — Шарқираб оқатган ишиша ранг суёнинг жилолида, .. эндигина уйқусидан турган, ҳали юзларини юйиб улгурмаган тоғ. Р. Файзий, Балли она қизим! Шу материалдан тайёрланган ҳар хил шаклдаги турли идиш ва буюмлар. Фонарнинг ишишаси. — Лекин бу ўқларнинг бири деворни тешиб кетди, иккинчиси чироқ ишишасини чил-чил синдирди. Х. Ғуллом, Машъал.

2 Шундай материалдан ясалган бўғизи тор идиш; бутилка. *Бир ишиша атир. Пиво ишишаси.* — Унинг [Иван Фёдоровичнинг] бахтига бир вақтлар стадионда биргалишиб бўш ишишалар терган болалардан бири йўлиқиб қолди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ШИШАДАМ** [ф-т] Шиша саноатида: пуфлаб ишиша буюмлар ясовчи ишчи.

**ШИШАК** [ф-т] Бир ёки икки ёшли қўй.

**ШИШАСОЗ** [ф-т] Шиша саноатида ишловчи киши.

**ШИШИНМОҚ** 1 шишмоқ 1—3 фл. ўз. н. *Бемор бир оз ишишган эди.*

2 кўчма Манманлик билан кеккаймоқ, мағрурланмоқ, кибрланмоқ. — Сизга ўхшаган тажрибадорлар билан кенгаш қилган эдим, — қақиртирсам бормадингиз, — деди Турғунов. — Қачон? Ҳеч хабарим йўқ, — сал ишишиниб деди Бўрибой. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ШИШИРИЛМОҚ** шиширмоқ фл. мажҳ. н. *Пуфлаб ишиширилган шар. Шиширилган камера.* — Саккиз йилдан бери суд аппаратида ишлаб бундай бетутириқ айблов фикрни, бундай пуфлаб ишиширилган ишни кўрганам йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ШИШИРМОҚ** 1 шишмоқ 1—3 фл. орт. н. *Ари қақиб қовоғимни ишишириб юборди. Шарни пуфлаб ишиширмоқ. Велосипед камерасини дамлаб ишиширмоқ. Ҳўл беда сизир қорнини ишишириб юборди.* — Самандаров кулиб юбормаслик учун лунжини ишиширди ва

жаҳл билан столнинг тортмасини тортиб унинг аризасини қидирган бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўчма Оз, кичик нарсани кўп ёки катта қилиб кўрсатмоқ, муболага қилмоқ. *Баъзилар асарнинг ижобий томонини ишишириб кўрсатишга уринадилар.* — Менинг йўқ гуноҳимни ишиширган ўшалар. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

◆ **Мияни** (ёки каллани) ишиширмоқ мияни ниҳоятда чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, гангитиб қўймоқ. *Саҳардан оқишомача чархнинг ғув-ғуви каллани ишиширади.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ШИШМОҚ** 1 Организмда ёки унинг бирор қисмида ташқи таъсир ёки касаллик туфайли ишиш ҳосил бўлмоқ; қабармоқ, бўртмоқ. *Унинг оёғи ишишиб кетипти.* — Кўп йиғлаганликдан [Кумушининг] кўзлари қизарган, қовоқлари ишишган, юзлари бўртган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Рустамжон] ҳар тош кўтарганда биласидаги томирлари бармоқдек-бармоқдек бўлиб ишишиб чиқади. С. Аҳмад, Йўлда.

2 Ҳаво, газ, ва ш. к. билан тўлиб кенгаймоқ, катталашмоқ. *Бола қанча пуфласа ҳам, пуфак ишишади.* | Кўп овқат еб қорни қаплаймоқ; бўкмоқ. *Сизирнинг қорни ишиди.* — Чол қўйлар ишишиб ўлган ўша бахтсиз ҳодисадан бери ўғлига бунчалик ширин гапирмаган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Эрта баҳор, қўйи чиқар пайт эди. *Матқовул шерик топиб, далага чиқшига шайланиб турганда, отнинг қорни ишишиб ҳаром ўлиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма с. т. Семирмоқ, семирив кетмоқ, тўлишмоқ. — *Мен ишишиб кетсам, сен симёғочдек қолибсан!* — деди Хўжақул ва қўйқириб кулди. О. Ёқубов, Тийла узук. *Ғани мажум сомон тикилган қанордай ишишиб, бемалол ухлаб ётарди.* А. Муқимов, Ҳашарот.

4 кўчма Бойиб кетмоқ.

◆ **Калласи** (ёки мияси, боши) ишишган ниҳоят чарчаган, толиққан; гангитиб қолган. *Дояча ким .. нечта эркак ва нечта хотин айтиладир ва кимлар? — мана шунингдек масалалар билан Ўзбек олимнинг мияси жуда ишишган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир томондан, қизим қаттиқ касал, иккинчи томондан, шу касал қизимнинг тўйини бошламоқчиман. Шунинг учун бошим ишишган.* Айний, Дохунда. *Ўпкаси ишиди* 1) нафас олишга қийналди, хансираб қолди. *Розик .. ўрнидан турдида, юеурганча кетди. Салдан кейин ўпкаси ишиди, оёғида дармон қолмади.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) йиғлар даражада алам қилди, хўрлғи келди. *Девонанинг ўпкаси ишишиб кетди. Эрмакчилар унинг юрашига галма-гал ўт ёқар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШИҚ** тақл. с. Мўрт нарса синганда ёки икки қаттиқ нарса бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Тўпғим ишиқ этиб кетди.*

**ШИҚИЛДОҚ** Силкиганда «шиқ-шиқ» товуш чиқарадиган, шиқирлайдиган болалар ўйинчоғи; шақилдоқ. *Гудак шиқилдоқ ўйнамоқда.* — Чойни кўп ичиб қўйиб, илигингиз шиқилдоқ бўлиб қолмасин, унда ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолади, онажон, — деди Маҳмудов. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**ШИҚИЛЛАМОҚ** «Шиқ-шиқ» этган товуш чиқармоқ, шиқирламоқ. *Чойхонада одам кўп. Баъзан чойнакларнинг қопқоғи шиқиллаб қолади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ШИҚИЛЛАТМОҚ** шиқилламоқ фл. орт. н. *Бармоқларни шиқиллатмоқ.* — *Машинка шиқиллатиб ўтирган секретарь қизнинг бетига ҳам қарамай: «киринг», деб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

◆ **Туёғингни** шиқиллат жўнаб қол, йўқол, кет. *Лекин Жалилова ўхшаганлар: «Қолхуз уставини бузишга ҳаққим йўқ! Кўп қатори оларингни олдинеми, туёғингни шиқиллат!»* — дейдилар. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ШИҚИР** айн. ширик. Эшик занжири шиқир этиб очилди.

**ШИҚИРЛАМОҚ** «Шиқир-шиқир» товуш чиқармоқ. *Мотор гуриллади. Селякалар шиқирлаб ишга тушиб кетди.* Ш. Ғулломов, Ташаббус.

**ШИҚИРЛАТМОҚ** шиқирламоқ фл. орт. н. *Қалитларни шиқирлатмоқ. Мамарайим чўнтағидан бир даста қалит чиқариб, Дилшодга кўз-кўз қилаётгандек шиқирлатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *От ҳам, эвасининг дилини билгандай, битта-битта қадам ташлаб, сўлиғини шиқирлатиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШИҚИРЛАШМОҚ** шиқирламоқ фл. бирг. н. *Қилич, найза шиқирлашди.* «Ширин билан Шакар».

**ШИҚИР-ШИҚИР** шикир с. тақр. **ШИҚ-ШИҚ** шик с. тақр. [Салмонов] қаламни ишиқ-ишиқ стол устидаги ойнага уради, деразадан дарахларнинг маймоқлашиб кетган шохларига тикилади. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ШИҒ:** юраги шиг этиб кетди айна. юраги шув этиб кетди қ. шув. *Аҳмаджон ялт этиб, товуш ишитилган томонга қаради. Қаради-ю, юраги шиг этиб кетди.* Ф. Насриддинов, Қўнғил.

**ШИҒА** рви Энг кўп даражада; ғоят мўл, ниҳоятда кўп; ялин. *Олча ишга гуллади.* — *Кўйрақкача ўсиб, атрофга шох ёйсан, тағидан то учигача ишга кўсаклаган бўлиқ ғўзалар.* Х. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор. *Ҳамма жойда ишга ҳосил, уни ўз кучимиз билан териб олиш амри маҳол.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ШИҒАМОҚ** Бирор иш-ҳаракатни бажаришга ниҳоятда зўр бермоқ, жон-жаҳди билан, астойдил ҳаракат қилмоқ. *Епирилиб, ишгаб теринг ўртоқлар. Улоқ олиб, донг чиқарсин қишлоқ.*

лар. А. Пўлат. [Моҳидил] тўшақни тарк этмоқ ниятида докторнинг айтганларини бажону дил бажарар, иш-таҳаси бўғиқлигига қарамай шиғаб оёқат ер, куч йиғишига уринарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ёмғир шиғаб ёғмоқда кучли ёмғир ёғмоқда.

**ШИГИЛ** с. т. ай. шовул II. Дарахтлар шиғил гулга кирган, боғда зингиллаб асал арилар учиб юрибди. Ж. Шарипов, Саодат. || Ҳар туп ғўзада шиғил кўсак. — [Қолхозчиларнинг] ҳовлиларида шарқираб оқайтган сув, боғлардаги шиғил мевалар кишига аллақандай роҳат бағишлайди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ШИГИЛЛАМОҚ** I ай. жигилламоқ. Оқсоч бойнинг хотини олдиға .. шиғиллаб қайнаб турган самоварни олиб кирди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси.

2 ай. ғизилламоқ. Снарядлар шиғиллаб келиб, гумбураб тўфон кўтарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Юраги шиғиллаб кетди** юраги ўйнади, безовта бўлди. Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз ўнги хираланди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИГИЛЛАТМОҚ** шиғилламоқ фл. орт. н. Булоқ суви ариқчага бурилди .. Кетмон дастасидек сув шағални шиғиллатиб, тупроқни тўзитиб, илондек билқиб олға интилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [«Пахтакор» машинаси] пайкалга кирдимиз, бас, пўлат панжалари билан тўрт қаторни бирдан шиғиллатиб териб, топ-тоза қилиб кетади. А. Пўлат, Чўлдаги машғал.

**ШИГИРЛАМОҚ** ай. шиғилламоқ.

◆ **Юраги шиғирлаб кетди** ай. юраги шиғиллаб кетди қ. шиғилламоқ. Дилшод табаррук ерга қадам босганда, юраги шиғирлаган одамдай, оstonадан авайлаб ҳатлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШИҒОВУЛ** тар. Хон ёки подшо саройида тантана маросимларини бошқариб ва назорат қилиб турадиган катта амалдор. Эрталаб хон саройидан шиғовул эгарлоғлик бир от келтириб, таъзим билан элчини арқа чорлади. М. Осим, Элчилар.

**ШИҒРАЙМОҚ** Астойдил қарамоқ, тикилиб қарамоқ (ғилай кўзли одам ҳақида)

**ШИҒРАЙТИРМОҚ** шиғраймоқ фл. орт. н. [Хотин] ғилай кўзларини икки ёнига шиғрайтириб, туфук сачратиб қайта-қайта туфурди-да, шошилиб паранжисини бошига илди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШКАЛЛА** [р<лат] I Улчов асбобларининг даража кўрсатувчи чизиқлари, рақам кўрсаткичи ёки цифрблати. Термометр шкаласи. — Нормат рақиянинг қулоғини бураб, шкаласи устидаги стрелкасини йўрғалата бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор катталикини, миқдор, ҳуссият ва ш. к.ни ўлчаш ёки баҳолаш

учун қабул қилинган сонлар система-си. Иш ҳақи шкаласи.

**ШКАФ** [р] Турли анжомлар солиб қўйиладиган, тикка сандиқсимон мебель тури; жавон. Ойнали шкаф.

■ **Жондорбой ҳовлиқиб, шкафи ичидан коньяк олар экан, унинг меҳмонлари кириб келишиди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШКИВ** тех. Бир ўқдан иккинчи ўққа тасма ёки арқон орқали ҳаракат узатадиган икки ғилдиракдан бири.

**ШЛАГБАУМ** [р<нем] Заставада ёки йўлни поезд кесиб ўтадиган жойларда қатновни тўхтатиб қўйиш учун хизмат қиладиган кўтарма ғов. *Секин шлагбаум кўтарилди. Машина йўлга тушди.* И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида. Қанал яқинидаги шлагбаум очик, у ердан ўтган йўл машиналардан холи. Х. Ғулом, Сенга интиламан.

**ШЛАК** [р<нем] I Рудадан металл эритиб олишда қоладиган шишасимон ёки тошсимон модда; тошқол. Шлак уюми. Шлак кукуну.

2 Қаттиқ ёқилгидан қоладиган чиқит. Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа, йўлчаларга сурранг майда шлак тўкиляпти, юреанда ғичир-ғичир қилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ШЛАКОБЕТОН** [р] тех. Цемент, қум ва шлак қоришмасидан тайёрланган енгил бетон.

**ШЛАКБЛӨК** [р] тех. Шлак билан цемент аралаштириб тайёрланган қурилиш материали.

**ШЛАНГ** [р<нем] Резина ёки сув ўтказмайдиган материаллардан ясалган эгилувчан труба. Ут ўчириш шланги. Шланг билан сув сепмоқ.

■ Шлангдан варилаб келиб турган сув бирпасда ҳовузнани тўлдирди. С. Ахмад, Томоша. Сайёра эрталаб спорт майдончасига борганда улар [болалар] қаердандир шланг топиб, майдончага сув сеппишайтган эди. О. Ёқубов, Дастлабки қадамлар.

**ШЛАНГА** с. т. Шланг. Ке, қўй, Наби кўп ўжарлик қилма, мана шланга ҳам тайёр. О. Ҳусанов, Дўстлар.

**ШЛЕМ** [р] I Қадим замонларда ва ўрта асрларда қилч, гурзи, ўқ ва ш. к. зарбидан сақланиш учун бошга кийиладиган темир қалпоқ; дубулға.

2 Бош ва бўйинни урилиш, лат ейиш, босим ва ш. к.дан сақлаш учун махсус тайёрланган бош кийими. Космонавтлар шлеми. Танкистлар шлеми. Ут ўчирувчилар шлеми. — Одам ғоввоалар шлемини кийиб, ийр сувага тушади, бундай сувнинг солиштирма оғирлиги одам танасининг солиштирма оғирлигига баравар бўлади. Ё. Тўрақулов, Космосга учин.

**ШЛЕМОФОН** [р] Учувчилар, танкичлар, космонавтлар киядиган, ичига гаплашиш мосламаси (телефон ва микрофон) ўрнатилган шлем ҳамда шу гаплашиш мосламасининг ўзи. Йўлдош ўз звеноси ёнига келганда самолётларнинг экипажлари ўз ўрнини эгаллаб бўлган, учувчилар шлемофонларини қулоқларига бостириб буйруқ кутиб

турардилар. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**ШЛИФӨВКА** [р] Пардозлаш ёки маълум шаклга келтириш учун металл, ёғоч, ойна ва ш. к.ни абразив материаллар ёрдамида ишлаш; ишқаб силлиқлаш, жишлолаш, сайқал бериш. Ёғочни шлифовка қилмоқ.

**ШЛИФӨВКАЧИ** Шлифовка қилувчи ишчи.

**ШЛЮЗ** [р<нем] I Кемаларни дарё ёки каналнинг сув сатҳи турлича бўлган бир участкасидан иккинчисига ўтказиш имконини берадиган, дарвозалар орқали ўзаро туташган гидротехник камералардан иборат иншоот. Бир камерали шлюз. Шлюз камераси. Пароходни шлюз орқали ўтказмоқ. — Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлари ҳам бир йўла ва бирданида қурилатганга ўхшайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Тўғонларда сувни қўйиб юбориш ёки бўғиш учун хизмат қиладиган махсус тешик; тўғон қулфи. Шлюзни очмоқ.

**ШЛЮПКА** [р<голл] Эшаклар ёрдами билан юрадиган, баъзан елканли ёки моторли палубасиз кичкина қайиқ. Эшакли шлюпка. Елканли шлюпка. Моторли шлюпка.

**ШЛЯПА** [р] Атрофи соябонли бош кийим. Похол шляпа. Аёллар шляпаси. Шляпа киймоқ. — Рўпарасида шляпанинг кенг соябони тагидан Хуморхоннинг кўзлари ёниб турарди. А. Мухтор, Тугилиш.

**ШМУЦТІТУЛ** [р<нем] полигр. Китобнинг бошланғичи ёки ҳар қайси қисми олдида қўйиладиган, одатда сарлавҳа ёзиладиган ёки расм солинадиган варақ.

**ШНИЦЕЛЬ** [р<нем] Қийма гўштдан ёки тўқмоқланган гўштдан пиширилган котлет.

**ШНУР** [р<нем] I Изоляцияланган электр сими. Бир симли шнур. Шнур портмоқ.

2 с. т. Ип, каноп, чилвир. Ботинкага шнур тақмоқ.

**ШОВ** тақл. с. Суюқликнинг шиддат билан тез тушишида ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Шов этмоқ. Цистернадаги керосин шов этиб тўкилиб кетди.

**ШОВВА** ай. шалола.

**ШОВВОЗ** [ф-т шахбоз] I Ҳар қандай ишни эплай оладиган одам; азамат, полвон. Дуруст, юрагинг дадил кўринадил. Одамнинг шоввози кўриқ очади. Х. Назир, Васнят. Бўш келманлар, йигитлар, ураверинлар, шоввозлар! Ойбек, Қутлуғ қон. || Гулсумга ўхшаши шоввоз аёлларни ўз атрофинишга тўпланган. П. Турсун, Уқи-тувчи.

2 Айёр, муғомбир. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни истаб қолибсизда-а! Улмаң, шоввоз. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

**ШОВВОЗЛИК** шоввоз I с. белги оти. Унинг шоввозлиги тутиб кетди. Шоввозлик қилмоқ.

**ШОВДИРАМОҚ** Шовулламоқ; шалдирамоқ. Бугдойнинг сарга бошлаган бўлиқ бошоқлари майин шабадада шовдираб, денгиз каби мавжланиб чайқалади. Х. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота. Мадрасанинг кенг, текис чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга иллар-илминмас буг бўлиб ҳавога кўтарилмоқда эди. Ойбек, Навоий.

**ШОВДИРАТМОҚ** шовдирамоқ *фл. орт. н.* Унинг [Хусниддиннинг] кўз олдига марваҳди сирғасини шовдирашиб Қандолатхон келди. Мирмуҳсин, Фельдан кучсизлик.

**ШОВИНИЗМ** [р<фр] Ирқий айирмачилик ва миллий низони авж олдиришга уринувчи ўтакетган буржуа миллатчилиги. Россияда шовинизм захрини юқтириш мумкин бўлмаган бирдан-бир синф пролетариатдир. В. И. Ленин, Социализм ва уруш. Миллатчилик, шовинизм, ирқчилик — буржуа дунёқарашининг кўринишларидир. «К. Ўзбекистон», 1959, 22 июль.

**ШОВИНИСТ** [р] Шовинизм тарафдори. Большевиклар .. великорус шовинистларга қарши, ҳам панисломизм ва пантуркизм тарғиботчилари бўлган маҳаллий буржуа миллатчиларига қарши курашдилар. «К. Ўзбекистон», 1959, 5 февраль.

**ШОВИНИСТИК** [р шовинистический] Шовинизмга онд; шовинизм руҳи билан суғорилган. Шовинистик пропаганда. — Чоризм зўр бериб шовинистик агитация юргизмоқда эди. «КПСС тарихи».

**ШОВИНИСТЛИК** *айн. шовинизм.* Яшасин барча мамлакатлардаги буржуазиянинг шовинистлигига ва буржуазия ватанпарварлигига қарши ишчиларнинг халқаро биродарлиги! В. И. Ленин, Уруш ва Россия социал-демократияси.

**ШОВУЛ** I [р шавель] Отқулоққа ўхшаш, қорабугдойлар оиласига мансуб, барги майда, таъми нордон, овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўт; қўзникўлоқ. Шўрвага шовул солмоқ.

**ШОВУЛ** II Жуда кўп, ғуж-ғуж; шивил. Биз ғўза пайкали оралаб ёнғоқдай шовул кўсақларни санашиб, машина тўхтаган тарафга қараб бордик. Х. Назир, Механизатор. Зилол чашма тилга кирди: — Уксиз, етим, мажнун тол. Нечун шовул новдаларинг Бошим узра эгик лол? Т. Тўла.

**ШОВУЛДЕК**, «дай айн. шовул II. Шовулдек олчалар кўзни қамаштиради. — Кун кеч бўла бошлаган. Мен баланд ёнғоқдай ўтирибман. Атрофда шовулдек ёввойи узум. Х. Ахмар, Қим ҳақ?

**ШОВУЛЛАМОҚ** «Шов-шов» этган товуш чиқармоқ. Шалоланинг шовуллаган овози келди. — Урмон аллақандай бир хил овоз билан елпиниб шовулларди. З. Фатхуллин, Сўмас юлдуз. Бирдан ёмғир ёғиб, тарновлардан шовуллаб сув оқа бошлади. Ж. Шарипов, Хоразм. Адирдан эсаётган шабада

ғўза шохларини қимирлатар, шохлар шохларга киришиб, кўсақлар кўсақларга урилиб шовулларди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ШОВУЛЛАТМОҚ** шовулламоқ *фл. орт. н.* Қомбайн бугдойни шовуллатиб ўради.

**ШОВУН** *с. т.* I Йўғон ип; қаноп. Қопнинг шовуни кетса кетсин, одамнинг бурди кетмасин. Мақол.

2 *айн. шоқул.* Икки қулоқлик тахта керак. Шовундай тўғри, тоб ташламаган бўйсин. М. Исмовлий, Фарғона т. о.

**ШОВУР-ШУВУР** I *тақл. с.* Хар хил ҳаракат туфайли ҳосил бўлган товуш ҳақида. Аудитория шовур-шувур. Биров ўтирган стулини ғўртиллатиб суради, безовталаниб қимирлайди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Шовқин, шов-шув, ғовур-ғувур. Шовур-шувур кўтармоқ. Шовур-шувур босмоқ. — Шовур-шувур бўлиб турганда, Аркарбой сўз олди, яна ҳамма жим бўлди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ШОВУШ** Муз, ях. Сирдарё суви шовуш аралаш кўпириб оқади. Х. Нуъмон, Қахрамоннинг туғилиши. Шовуш боғламоқ қиров боғламоқ, музламоқ. Унинг мўйлови шовуш боғлабди.

**ШОВ-ШУВ** I *шов с. тақр.* Новдан оқиб тўшаётган сувнинг шов-шувуви дилрабо нағмалардай ёқиб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Унинг [Жапакнинг] даҳшатли довул шов-шувини эшитмаган қулоқлари эшикдаги заиф бир шарпани аниқ пайқазган эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Шовқин, шовқин-сурон; гала-ғовур, шовур-шувур. Қурилиш участкасида шов-шув тинмайди. Залда шов-шув кўтарилади. — Тўй узоққа чўзилди. Шу вақт негадир бирдан шов-шув, қий-чув кўтарилади. Ж. Шарипов, Хоразм. Улар вокзалнинг олдида қатор тизилиб турган «Победа»ларнинг бирига ўтириб, шаҳарнинг шов-шувига тўла гажум кўчаларидан учиб кетдилар. О. Ёқубов, Ота.

3 *кўчма* Миш-миш гап, овоза. Бу воқеа ҳақида шов-шув кўтарилади. Шов-шув гап тарқатмоқ. — Домла ўйланиб қолди-да, анчадан кейин деди: — Қишлоқда шундай шов-шув бор эмишимиз? А. Қаххор, Сароб.

4 *с. т.* Бирор ҳодиса, кимса ёки нарсага ўта қизиқиб туфайли юз берадиган қизғин муҳокама, мунозара, хар хил гап-сўз. Султонова зеносининг бу ғалабаси катта шов-шувларга сабаб бўлди. Н. Сафаров, Оляхон Султонова. Шов-шув кўтарма! Дадан хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ШОВ-ШУВЛИ** «Шов-шув» овози келиб турадиган; шовқин-суронли; гала-ғовурли. У .. қорғоғни Ҳиротга кетувчилардан бериб юбормоқ учун работнинг шов-шувли кўрасига чиқди. Ойбек, Навоий.

**ШОВ-ШУВСИЗ** Шовқин-суронсиз,

осойишта, тинч. Улар [Сарагул билан Орифжон] ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, камташени ҳаётга ўрганиб қолган эдилар. А. Мухтор, Чинор. | Шовқин-сурон кўтармасдан, астагина .. Икки кампир ирим қилиб, Малиқанинг дард тутаётганини ҳеч қилма билдирмасликка тиришиб, шов-шувсиз эшикни ҳам занжирлаб қўйишган эди. Мирмуҳсин, Чиниқиб.

**ШОВҚИН** I Қучли овоз ва товушлар, бақирик-чақирик; олағовур. — Оқлаймиз! Оқлаймиз! — чойхонани ишчиларнинг шовқини босиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Арқда жанг тўхтабди. Аммо орқанда ҳамон шовқин. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Намоз асра яқин кўёв оломон билан келди. Ўрт қарнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тўтди. Ойбек, Қутлуг қон. | Турли ҳаракат туфайли ҳосил бўлиб, ўзаро қўшилиб кетадиган хар хил товушлар; гала-ғовур. Унда-бунда сайёр атторларнинг ил кетди, ..» каби қичқирқиқлари шаҳар шовқинига мадад бериб туради. М. Исмовлий, Фарғона т. о. Шовқин тўла шаҳарда қиз ўзини катакка тушиб қолгандай сезар, қалби кенгликни, далалардагина бўладиган маънос жимликни кўрсатарди. Ф. Мусажонов, Хури.

2 Балад овоз билан гапириш, жанжаллашиб; жанжал, шовқин-сурон. — Ҳай, бу нима шовқин? — кампир кўча томонга қулоқ солди. Ойбек, Қутлуг қон. Шовқин кўтармоқ I) бировга қарата баланд овоз билан қаттиқ гапирмоқ; бақирмоқ. — Ёлғон, тўхмат! — деб бошқа деҳқонлар ҳам шовқин кўтардилар. Айний, Қуллар; 2) кўчма бирор хабарни кенг ёймоқ; бу ҳақда жар солмоқ. Нега матбуот шовқин кўтармайди. А. Қаххор, Сароб. Шовқин солмоқ I) *айн.* шовқин кўтармоқ. Фақат ичкаридан мастларнинг қийқириқлари, аллақимнинг бўғиқ алёри эшитилади; ашула, қичқириқ аралаш яна аллақим шовқин солиб сўкинади. Х. Фулом, Машъал; 2) *кўчма* гумбурламоқ, гувилламоқ, шовулламоқ. Шовқин солиб сой оқар Қорабўр қишлоғидан. Х. Салоҳ.

3 *линг.* Оғиз бўшлиғида ун иштирокисиз ҳосил бўладиган товуш. Фақат шовқиндан ҳосил бўлган к, п, с, т, ф, ш, ч, к, х, ц, х товушлари жарангсиз ундий товушлардир. «Ўзбек тили».

**ШОВҚИНЛАМОҚ** Баланд овоз билан гапирмоқ, бақирмоқ. Шовқинлама, болани уйғотиб юборсан. — Ош тайёрми, ош! — деб шовқинлади Умар. П. Турсун, Уқитувчи.

**ШОВҚИНЛАШМОҚ** шовқинламоқ *фл. бирг. н.* Дарахларнинг тепасидаги болалар шовқинлашиб, ҳуштак чала бошлади. И. Раҳим, Ихлос.

**ШОВҚИНЛИ** I Шовқин билан тўлган; гала-ғовур ҳукм суриб турган. Шовқинли кўча. — Машиқлар чолғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин эмас, ширин,

майин ҳужрабазм садоси оқа кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Овоз қиқариб турадиган, гумбурлаган, гувиллаган, шовуллаган. Шовқинли ўрмон. — Умурзоқ ота ғира-ширада чайласидан чиқиб келди-да, шовқинли дарё лабида таҳорат қилди ва тўнани майсага ёзиб, бомдод номозини ўқиди. Ҳ. Фулом, Машғал. [Миркарим] шовқинли сувлар бўйига жойлашган гумбаздор мазорлар, .. мачитлар орасида уч ой юрган, яна Тошкентга келиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Шовқинли ундощлар ливез. овознинг иштирокисиз, шовқин билан ҳосил бўладиган ундощлар.

**ШОВҚИН-СУРОН** Кучли даражадаги шовқин. Шовқин-сурон кўтармоқ. — Вагонларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи овозлари борган сари узоқлашиб, ниҳоят шовқин-сурон тинди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Танклар юреанда, ўқ отанда шовқин-сурони радиокарнайи орқали узоқ-узоқларга тарқалади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Қий-чув, тўс-тўполон. Шовқин-сурон орасида қўрғон беги от устида қўрғоннинг у бошидан-бу бошига чопарди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мавлон ака арава миниб уйга қайтиб келганда, шовқин-суроннинг устидан чиқиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ШОВҚИН-СУРОНЛИ** Кучли даражада шовқинли; шовқин билан юз берадиган. Бу вақт ичкарида тартиб ўрнатилиб, бояғидай шовқин-суронли вайсаи бошланган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШОВҚИНЧИ** с. т. Бақириб гапиришга одатланган; арзимаган нарсага шовқин кўтарадиган.

**ШОГИРД** [ф-т] 1 Корхона (мас. заводда, фабрикада) бирор уста ёки мутахассисдан хунаар ўрғанаётган киши. Шогирд тушмоқ. Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Мақол. — Сидиқжон аввал аравасоз устага шогирд, ундан кейин бу ерга келиб Собиржон қориеа қарол бўлиб юрган вақтларида Хадича хола уни ўз қаноти остида ҳисоблар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Устоз ишини билиб қилмаса, шогирд устоздан ўтиб кетадиган вақт, оғайни, — деди кимдир. С. Маҳкамов, Шогирд. || Қўзларига уйқу келган шогирд бола мулли ипни қир-қир чўзиб, қатим тортар, устанинг аччиғини чиқармаслик учун, ҳеч қаёққа алангеламас эди. Ойбек, Қутлуг қон. / Таълим, тахсил олган ёки олаётган киши, ўқувчи (ўз ўқитувчиси ёки устозига нисбатан). Ҳар бир инсофли устод ўз муборак умрининг дурдона яқунлари деб шогирдларини ҳисоблайди. Ф. Фулом, Жаноби инсонлардан бири. Эртаси кунги [Элмурод] ўз шогирдларига вазифа бериб қўйди-да, аёлларнинг ўқишини қўришга келди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор кимсанинг иши ёки таълимотининг тарафдори, уни давом эттирувчи; мухлис, издош. Биз Ленин

шогирдларимиз. — Москвада Ленин, пойтахтда, Бунда унинг шогирдлари бор. Э. Раҳим. Сенсан партиянинг содиқ шогирди, Фикрингда барқ урар Ленин шуурди. Ҳ. Расул.

**ШОГИРДЛИК** шогирд с. касб оти. Отам мени шахримизда донғи кетган табибега шогирдликка берди. «Эртаклар».

**ШОД** [ф-т] Бирор нарсадан мамнун, қувончга тўла; хурсанд. Қўнгли шод. Шод бўлмоқ. — Сочларин бўйнимга боғлаб Шод эрурман бу кеча, Қўй, чаманлардан, сабо, Гул атрини тарқатмагил. Э. Воҳидов. Чўнтагининг қаеридадир асраб юрган ўптис сўмликни онасига бераркан, Болтабой ўзида йўқ шод эди. Ж. Шарипов, Саодат. || Шод туғилдим, шод лшайман, ғам забт этолмас қалбимни бир зум. Уйғун.

**ШОДА** 1 Ипга тизилган бир хил, бир турдаги нарсалар мажмуи. Бир шода марварид. Бир шода қалампир. — Узиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Ҳаммаси асл, қизим, женда паст нарса бўлмайди, — деди хўжайин, кейин қизга қараб, кўзини қисиб қулди, — ол, бир шодани тақиб кўр. Жуда ярашади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 махс. Тўқимачилик дастгоҳининг ўрши ипларини кўтариб-тушириб турадиган қисми.

**ШОДАЛАМОҚ** Бир турли нарсаларни ипга тизмоқ, тизиб шода қилмоқ. Мунчоқларни шодаламоқ. — Ҳа Сорокин .. Баракалла! — деб мамнун жилмайди [Васильев], — гранаталарини шодала .. Орқамдан ери бағирлаб эмакла. А. Муҳиддин, Ҳ. Тошйов, Оташ қалбли қиз.

**ШОДАЛАНМОҚ** шодаламоқ фл. мажх. н. Шодаланган марваридлар.

**ШОДАЛАТМОҚ** шодаламоқ фл. орт. н. Кампир қизига қалампир шодалати.

**ШОДА-ШОДА** 1 Бир неча шодадан иборат, тизим-тизим. Айвонга шода-шода қалампир осилган.

2 Ғуж-ғуж, тўп-тўп. Зокир япроқлари баланда мулоийм шивирлаб турган оқ теракларга, шода-шода баргларни қулф уриб кўчарган акацияларга, ерни аллақачон қоплаб олган ва майин тебранаётган кўкатларга қаради. П. Қодиров, Уч илди. Шода-шода кўсакда гавҳар ётибди, Бахтимиздек бегубор саҳар ётибди. Ё. Мирза.

**ШОДИ** 1: оғиздан боди кириб, шоди чикади беҳаё сўзлар билан суқади, сўкинади. Кўёви Ғиёсиддин тилмоч тоқчалари меҳроб нуска меҳмонхонада бурма болишини бағрига босиб ароқ шар, оғиздан боди кириб, шоди чиқиб, оқсоқолни сўқар эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Назоратсиз қолган оғиздан ҳам боди кириб, шоди чиқиши мумкин. М. Исмоилий, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

2 Шоди (эркаклар исми).

**ШОДИЁНА** [ф-т] 1 от Шод-хуррамлик, тантана. Байрам шодиёнаси. Фа-

лабага бағишланган шодиёна. — Зухра тўйга кўнмади деб бўлманг танг, Тўй бошланси, шодиёна бошланси .. С. Абдулла, Тохир ва Зухра. Бу тантана сендек фарзанди билан фахрланган элнинг шодиёнаси. Э. Раҳим, Янги қадам. Файзиёб сентябрь оқиомларининг бири. Боғарда, зумрад далаalarda меҳнат шодиёнаси, қизларнинг дилрабо яллasi авжиди. Э. Охунова, Қадрингни бил, дугонам!

2 сфт Шод-хуррамлик ёки тантана билан ўтадиган. Шодиёна тўй. — У бу уйдаси, қишлоқ аёллари тағрифлаган шодиёна учрашувлар, мароқли сўхбатлар хаёли билан маст бўлиб юрган эди. Ҳ. Фулом, Машғал. Шу нештоқлар, шу иморатлар, Қад кўтаргай йиллардан буён, Мана шундай шодиёна дамни Кўрган-билан эмас ҳеч қачон! Э. Раҳим. | Шодлик, қувноқликни ифодалайдиган; қувноқ. Бирдан пастдан, тоғ қазувчилар манзилдан шодиёна қичқариқлар кўтарилиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Туяларда, қўқон араваларда ўзбек артистлари. Шодиёна машқ ҳамма ёқни тўлдириб борарди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 рвш Шод-хуррамлик билан, тантана билан, тантанавор. Созандалар соз айлади турли созини, Шодиёна аштор ўқиб, айлаб танина. Ҳабибий. Озодликнинг янги тонги бу, шодиёна яшаймиз яна. З. Диёр. Муротали севинчи ва гурури бўлган ўрикнинг таниши ва кадрли новдаларига шодиёна боқиб, ўрнидан турди, кийимларини кийгач, муздек суваа ювинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 от, кам қўл. Хушхабар келтирган кишига бериладиган инъом, совға; суюнчи.

**ШОДИЁНАЛИК** шодиёна 1, 2, 3 с. белеги оти. Меҳмонларни шодиёналик билан кутиб олмақ.

**ШОДЛАНМОҚ** Шод бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, севинмоқ, қувонмоқ. Шодланиб кетган Собир темирчи раҳмат устига раҳмат ёғдирди. Ж. Шарипов, Хоразм. Кумуш бу гапга ажабланар, тўғриси шодланар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШОДЛАНТИРМОҚ** шодланмоқ фл. орт. н. Сиз қора чопон оғайниларнинг қитчоқ қўлида шаҳид бўлган қариндошларингизнинг руҳларини шодлантирмоқ учун ўлдирдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШОДЛИК** Бирор нарсадан мамнун бўлиш, хурсандлик; севинч, қувонч. Шодлик байрами. Шодликдан ўзини йўқотмоқ. — Шодлик йўлга бошлади мени, Бахтиёрлик бўлди одатим, Шоир бўлиб шодлик ва бахтни Қуйламоқлик эфр саодатим. Ҳ. Олимжон. Тўй. Бу сўз асосида халқнинг шодлиги, хурсанлиги ётади, у камбағалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ШОДМАРГ** [ф-т]: шодмарг бўлмоқ шодлик ёки севинчдан юраги ёрилиб ўлмоқ. — Қувончдан шодмарг бўлишга

оэ қолдим. Кечаси билан мижжа қоқмай, ширин хаёлларга чўмиб чиқдим, — деди Қамолдин. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ШОДМОН** [ф-т] 1 айн. шод. *Фурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш. Эланга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Навоий. Минг шукурким, келдинг бугун сихат-саломат, шодман, Айлай Нихоний жон фидо, қурбона бўлдим соғиниб. Ҳамза. Э қўзим, жигарбандим, шодмон этиб келдинг, Қўжжа еткуруб бошим осмон этиб келдинг. Ҳабибий.*

2 Шодмон (эркаклар исми).

**ШОДМОНЛИК** айн. шодлик. Бу — Шарқнинг юлдузи Ўзбекистондир, Урта асрларнинг Осийси йўқ. Янги дарёларнинг севар ўлкаси, Бағри шодмонлик, бахт билан тўлиқ. Х. Олимжон. *Очликдан тинка-мадори қуриганлар ҳам бу шодмонликдан [баҳор байрамидан] четда қолмас, неча ҳафталар дастурхон бешага ҳозирлик кўрар эди. С. Қароматов, Бир томчи қон.*

**ШОДОН** [ф-т] кт. Шод, қувноқ. *Шодон қулги. — Ёш қизчасин босиб бағрига, Шодон қўшиқ ўқийди жувон. З. Диёр. || Устозларим Лермонтов, Байрон .. Кўз ўнгимда туришар қатор. Улар билан сўзлашиб шодон, Тунлар ўтиб, тонгларим отар. Х. Садох.*

**ШОДОНЛИК** шодон с. белги оти. Чўпон найдидан оқар Шодонлик, бахт оҳанги. *Чўққидеги қумуш қор Орзум каби яп-янги. А. Умарий.*

**ШОД-ХАНДОН** [ф-т] айн. шод-хуррам. *Параддан ўтайлик бирга шод-хандон, Юксакда ҳиллират жажжи байроқчан! Шухрат.*

**ШОД-ХУРРАМ** [ф-т] Шод ва хуррам, ниҳоятда хурсанд, хушчақчақ. *Бу сув қишлоқнинг бутун дара-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб кетатгандай ҳамма шод-хуррам, ҳамма ахил, орада ўтган наст-баланд гаплар унутилган эди. А. Қаххор, Қўшчинор. || Лекин парк ёпилишига яқин иккови қўл ушлашиб яшил пан-жарали дарвозадан шод-хуррам чиқиб кетишди. П. Кодиров, Уч илдиэ.*

**ШОД-ХУРРАМЛИК** шод-хуррам с. белги оти. *Шод-хуррамлик билан Тинчликда ўтар умр. «Қўшиқлар».*

**ШОЁН** [ф-т] кт. Сазовор, арзийдиган, арзигундай. *Шоёни диққат. Шоёни таҳсин. — Манзур бўлган гўзал атлас сингари Сачъатнинг шоёндир эл қиссасида. М. Бобоев.*

**ШОИР** [а] 1 Шеърый асарлар ёзadиган киши. *Улуғ шоир. Демократ шоир. Халқ шоири.*

2 Бахши ёки оқинлар исмига хурмат юзасидан қўшиб айтиладиган сўз. *Фозил шоир. Ислом шоир Назар ўғли. 3 с. т. Гапон, сўзамол, хозиржавоб одам ҳақида. Бу йигит жуда шоир экан.*

**ШОИРА** [а] 1 Шеърый асарлар ёзadиган аёл. *Ўзбек шоиралари.*

2 с. т. Гапон, сўзамол, хозиржавоб

қиз ёки аёл. *Мажлиснинг шоиралари, ўйинчилари, чилдирмачи ва дуторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб, Қумушбигини ҳаммомдан қайтмаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Шоира (хотин-қизлар исми).

**ШОИРЛИК** 1 шоир 1 с. касб оти. *Мирзақон кўнглида шоирлик дарди билан туғилган бола, ҳозирданоқ шундай шеърлар ёза бошладики, ўқиганингизда кўзингизга беихтиёр ёш келади. П. Турсун, Ўқитувчи. Йўқ, мен тақдиримдан эмасман хафа. Шоирлик унвони бахтимдан туҳфа. Шайхзода.*

2 с. т. Гапга чечанлик, сўзамоллик. *Ҳе Эреашвой ака-ей, жуда ҳазилкаш йигитсиз-да, Тўғри гапни ҳазилга олиб шоирлик қиласиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат. — Не бало овин, шоирлик қиялпсизми? — деди Қумрихон боғ эшигига тамба қўятуриб. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.*

**ШОИРОНА** [а + ф-т] рви Шоирларга хос илҳом билан, кўтаринкилик билан; шоирларча. *Шоирона гапирмоқ. || Шоирона ибора. — Аҳмад Хусайн бу сўзларни бандан шоирона сўзлар каби тушуниб, уларнинг мазмунига унчалик эътибор бермади. Ойбек, Нур қидириб. Шоирона тафаккур! Му-болага, мақташлар! Менинча оқ садафдир, Сой ичида оқ тошлар. Шайхзода. Хушманзаралар ёшлиги чўпонлик билан безанган, шоирона қалб эгаси Қудратга Самарқанд тоғларининг эгагидаги гўзал боғларини эслатарди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. | Шоирлар ўйлаганидек гўзал ва жозибали. Ширин хаёллар оғушида маст бўлган кишининг кўзи олдида ҳамма нарса гўзал ва шоирона тусга қиради. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. || Рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмоқ, ёр оёғи остида қонли тунроққа қоршимоқ — унинг [Отабек] учун жуда лаззатли ва шоирона туюла бошлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ШОЙИ** [ф-т] 1 Ипакдан тўқилган газлама. *Гулдор шойи. Қарга шойи. Шойи тўқийдиган станок. || Шойи кўйлак. Шойи рўмол. — Тахмонда турли рангда атлас ва шойилардан қопланган кўрпалар, тахмон тоқчаларида уйилган нар ёстиқлар, .. киши кўзини қамаштирар даражада эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Нури] тўй муносабати билан ўзига атаб ясалган тўққиз духоба ва тўққиз ҳар нав шойи кўрпани томоша қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бошида нафармон шойи дурра, орқада қирқ кокил, чеккаларида гажак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 с. т. Ипакли кийим, ипак газламадан тикилган кийим. *Шойи билан кимхоб кийдим, устимда йўқ, қазибилан қарта едим, қорнимда йўқ. Мақол. — Қизу келин ясанди Атласу шойи билан. «Қўшиқлар».*

**ШОЙИБОФ** [ф-т] Шойи тўқувчи касиб. *Сибирь бозорларида наққон бўлган ип газлама, бўғнинг нархи ошди.*

*Адрасбоф-шойибоблар ташвишга тушиб қолдилар. М. Осим, Элчилар.*

**ШОЙИГУЎЛИ** [ф-т] Шойигуллар оиласига мансуб, гулпасарга ўхшаш очиладиган гуллари қизил, шапалоқ баргли кўп йиллик декоратив ўсимлик.

**ШОЙИФУРУШ** [ф-т] эск. Шойи газламалар билан савдо қилувчи киши.

**ШОКИЛА** 1 Дастурхон, сочик, дарпарда, рўмол каби буюмларнинг четига-ҳоянисига тикиладиган ёки шу газмолнинг ўзидан титиб чиқариб ясаладиган безак; гажим, попук. *Дастурхон шокиласи. — Ислом барлос қалпоқли бошини оғир тебратди-да, .. қаҳрли кўзларини юқорига — ипак чодирнинг кўркам уқалари, ранг-баранг ипак шокилалари осилиб турган шипга тикди. Ойбек, Навоий. [Латофат] нарда шокиласига тирмашаётган капалакни кўрди. С. Қароматов, Хижрон.*

2 Баъзи буюмларга безак учун осиб қўйиладиган шу шаклдаги тақинчоқлар. *Уртага осилган катта қандилнинг асоси зарҳалдан бўлиб, элликлан лампочкалар ва минглаб биллур шокилалар унга зоб бериб турарди. Т. Жалолов, Олтин қафас.*

**ШОКИЛАДОР** айн. шокилали. *Ашуртой ака нос қовоқнинг шокиладор чарм тикинини ёпа туриб, салмоқлини гапирди: — Бозор қилай дебсиз-да, уста? Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

**ШОКИЛАЛИ** Шокиласи бор, шокила билан безатилган. *Шокилали дастурўмол.*

**ШОКИЛА-ШОКИЛА** Тўп-тўп, ғуж-ғуж. *Азим толларнинг эгри шоҳларидаги шокила-шокила попукалар йўловчиларни соя-салқинга қақира бошлади. Х. Ғулум, Машғал. Улар сой бўйидаги тошлар, ҳар хил гийҳлар, довуччалар, узумлар, сувга шокила-шокила бўлиб эгилган мажнунтолларни ҳавас билан кўришди, улардан намуналар олишди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ШОКИЛА** с. т. Шокила. Унинг [Таманно ойисининг] шамоқларидаги йўғон узукларининг ёқут кўзлари, бухори сирга шокилдалари офтобда йилтирарди. Мирмухсин, Ажрим. *Варрак десанг бўлмади, Шокилдаси йўқ унинг, Икки кўзинг ўйнайди, Хуснига кирар суқини. З. Диёр.*

**ШОКОЛАД** [р] Какао, шакар ва хушбўй дориворлар аралашмасидан қилинадиган аъло сифатли конфет ёки плитка шаклидаги ширинлик. *Бозор яшиқларни очиб қўйди: оқ қанд, шоколад, конфет, совун, атир, уна. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ШОКОЛАДЛИ** Шоколад аралашган, шоколад аралашмаси қўшилган. *Шоколадли торт. Шоколадли мороженое.*

**ШОКОСА** [ф-т] Катта коса. *Анзират хола бир шокоса ширгурунч келтириб Сидиқжоннинг олдига қўйди. А. Қаххор, Қўшчинор. Махсум .. ҳаммининг олдига шокосаларда ширчоғ қўйди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*



◆ **Шокоса кўз чақчайиб** турадиган катта кўз. *Ғози шокоса кўзларини ўйнатиб Қарим темирчиға чақчайди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ШОЛ I** [ф-т] Юнгдан тўқилган қалин мато, юнг газлама. *Шол бозори.* — *Бу бошига шолдан салла ўрайди.* Фозил шоир. || *Икки қиз чайқалган чойнак-пиёлаларни, тую юнгидан тўқилган шол дастурхонға ўралган нонлар келтириб меҳмонлар олдиға қўйдилар.* Айний, Қуллар. *Юнқа блузкадан ҳам, крендешин, полотно кўйлақлардан ҳам унга тўқ кўк шол кўйлақ маъқул бўлди.* Ойдин, Қўнгли тўлдими, яхши йигит.

**ШОЛ II** [а] I Бирор аъзонинг нормал ҳаракат қилолмай ёки сеза олмай қолиши билан характерланадиган касаллик.

2 Шундай касалга йўлиққан. *Шол кампир. Шол қўл. Шол бўлиб ётмоқ.* — *Кампирим ишға ярамайди. Шол бўлиб қолган. Отаси ҳам шол бўлиб ўлган.* С. Аҳмад, Хукм. — *Ҳалиш мен билан бир синфда ўқиган Темиржон бор-ку, ҳозир икки оғи шол бўлиб ўтирибди ..— деди Боймурод.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

**ШОЛ III** Бўйинга осиб ёки тешигидан кийгизиб қўйиладиган жазо таҳтаси. *Солдилар шол бўйинига, Кунда — оёққа, Шу йсин Хукм этдилар Қирқ кун қамокқа.* Ғайратий.

**ШОЛИ** [ф-т] I Иссиқ мамлакатларда ботқоқда ўсадиган, бошоқларида гуруч етишадиган дон ўсимлиги.

2 Шу ўсимлиكنинг оқланмаган, гуруч ҳолиға келтирилмаган ҳосили. *Шоли оқламоқ.* — [Қобил] *бойнинг шолини қаерға яширганини била туриб, айтиб бермади, ўзи бўлса камбағал.* Х. Ғулом, Машъал. *Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан тўёлмайди, сув қайнатса ҳам, тағига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинов.

**ШОЛИКОР** [ф-т] I Шоли экиб, гуруч етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон. *Шоликорлар экинға иккинчи ишлов бериш даврида ўсимликни шохлатиш тадбирларини кўришди.* М. Қўшшоқов, Ҳосилдорлик осяпти.

2 Шоли экиладиган; шоли етиштириладиган. *Шоликор районлар. Шоликор хўжалик. Шоликор ерлар.*

**ШОЛИКОРЛИК I** шоликор I с. касб оти.

2 Қишлоқ хўжалигининг шоли экиш, гуруч етиштириш иши билан шуғулланувчи тармоғи. *Шоликорликни ривожлантирмоқ.* — *Колхоз ҳозирданоқ шоликорликка кўз тиккан,— деди Шарофат.* А. Қаҳҳор, Қўшчинов.

3 Шоли экиладиган ёки экилган кенг дала. *Шоликорлик қишлоқдан бир тош чамаси нарида бўлиб, Бердибой унда ётиб ишлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сидиқжон бўлмаганда, Зуннунхўжаининг Тарновбошидаги шоликорлик ери ҳам кетар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинов.

**ШОЛИПОЯ** [ф-т] I Шоли экилган майдон. *Колхознинг бедаси, шолипояси, катта боғлари, тоқорлари бор эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Терак тагидан шолипоя бўйлаб йўл бор; Чирчиққа тик чиқади.* Х. Ғулом, Машъал.

2 Шоли ўсимлигининг пояси.

**ШОЛПАР** [ф-т] Юнгдан тўқилган, жунли. [Ойимтилла хола] *кели урганда сирғалиб тушаётган шолпар рўмолини дамба-дам бошиға танғир экан, кўча эшикка қараб қўяди.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ШОЛЧА** Жундан тўқилган палос. *Ҳимматға «Қани ўтири!» деди ошпаз ёзиб қўйган шолчани кўрсатиб.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон узидан. *Уша ерга бир парча шолча ташланиб, ичкаридан бир патнисда нон, косаларда мошхўрда чиқди.* Ойдин, Узидан кўрсин.

**ШОЛ-ШОЛ:** шол-шол бўлмоқ оғриқ аралаш ўзини оғир сезмоқ; мажолсизланмоқ. *Биров дўппослазандек бутун баданим шол-шол бўлиб кетяпти.* — [Зўҳра:] *Бир вақт кўзимни очиб қарасам, касалхонада ётибман; ҳамма ёғим шол-шол бўлиб кетган.* Т. Жалилов, Зўравон.

**ШОЛҒОМ** [ф-т] Овқатға ишлатиладиган илдиз меваси пушти, сариқ, оқиш рангларда бўладиган сабзавот ўсимлиги. *Шолғомға сув қўймоқ.* — *Бўйрадай жойға шолғом эккан одамға ҳам сувми!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШОМ** [ф-т] I Қуёш ботиб қоронғилик туша бошлаган пайт. *Бирға бўлиб ҳар шом ва саҳар Қўк келини гўзал ой боқди.* Ғайратий. *Анзират билан Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларигина шом қоронғисида шарпадай милтилларди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 дин. Мусулмонларнинг бир кунда ўқиладиган тўртинчи кечки намози. *Шомни ўқигандан кейин Анвар Султонали мирзодан изн олиб чиқди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Мачитдан шом азони эшитилди. Супадагилар баҳсни тўхтатиб, таҳоратға қўзғалишди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Ой шом еди** ой шомдан кейин пайдо бўладиган, кечикиб чиқадиган бўлиб қолди. *Тун яримдан ошган. Шом еб чиққан ой ўрмон устларига ўзининг сундай оқ пардаларини тўшган.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ШОМОН** [р шаман] Осиё шимолидаги баъзи халқларда рухоний, табиб, сеҳргар.

**ШОМОНИЙ** Шомонға, шомонликка оид.

**ШОМПОЛ** [р < нем] Милтиқ стволни тозалаш, мойлаш ёки оғзидан ўқланадиган милтиққа заряд жойлаш учун ишлатиладиган ингичка ва узун металл таёқ.

**ШОМПОЛЛИ** Шомполға эга, шомпол бор; шомпол ёрдамида ўқланадиган. *Шомполли милтиқ.*

**ШОМУРҶ** Ёввойи ўрдакнинг бир хили.

**ШОМУРТ** фольк. Узун, бурама мўйлов. *Шомурти ёқлаб ҳар ёққа кетган,*

*Ичида сичқонлар болалаб ётган .. Шундай қалмоқ қўлин тўлғаб келади.* «Алпомиш». *Ямоқчи уйғониб туриб эшикни очса, шомуртини шондай қилиб, подионинг мирғазаблари турибди.* «Эртақлар».

**ШОН I** [а] I Эзгу ишлар туфайли эришиладиган ҳурмат, обрў, шараф, шавкат. *Сенға дўст бўлиб ортди Қадримиз, қимматимиз, Инсоний ҳуқуқимиз, Шон ила шухратимиз.* Ғайратий. *Яраланган Ватан томириға, Қўйди иссиқ юрак қонини, Шу муқаддас ер замириға Қони билан ёзди шонини.* Т. Тўла.

2 Яхшилик билан тарқалган ном, донғ, шухрат. *Пахта териб ўтар узун кун, Ошиб тўлар унинг плани, Иши бўлар унинг овоза — Достон бўлар донғи ва шони.* Х. Олимжон. *Ҳаётға .. ёмон йўлни қўйиб, яхши йўлдан бориш — абадийлик йўлидир.* Шу йўлдан боран кишининг номи ўймайди, унинг шони умридан узоқ яшайди. М. Исмонлий, Одамийлик қиссаси.

3 Ғурур, фахр. *Пахта — бизнинг шонимиз.* — *Қайнаб тошсин нефть булоқлари, Нефть мамлакатимизнинг шонидир.* Е. Мирза.

**ШОН II** [ф-т] махс. Махси ёки этик кўнжига уриладиган қолип. *Этикни шонға уриб (тортиб) кенгайтирмоқ.* — [Унсин] *шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсиларни силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қора гул суркаб, уларға пардоз беради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Шонға тортмоқ** айн. **исканжаға олмоқ** қ. **исканжа** 2.

**ШОНА I** [ф-т] Ғўза ғунчаси. *Гулпараст — деб атаманг ишимиздан беҳабар, Шоналар санаб юрган меҳнаткаш қизлар эдик.* Ғ. Ғулом. *Бироқ өзгина сув ҳам тақа-тақ тўхтаб қолди.* «Сув» деб навбат кутиб ётган ғўзаларнинг барларни қорайиб, шона ташлай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Шонаға кирмоқ** ғунчалармоқ (ғўза ҳақида).

**ШОНА II** [ф-т] эск. айн. **тароқ** I. *Шона билан зулфин тараб ўрганлар, Ойна олиб оқ юзини кўрганлар.* Фозил шоир. *Қизлар тонғада булоқ томон борарди, Ювинишиб бари сочин тарарди, Ҳар бирин бошида чиройли шона, Курар кўнғил қуши шунда кошона.* М. Алавия.

**ШОНАБАРГ** [ф-т] Шона атрофидан чиқиб, гул очилгунча уни ўраб турадиган тароқ тишли майда барг; ёнбарг. *Ғўза гулида учта шонабарг бўлади.*

**ШОНАЛАМОҚ I** Шона ёки ғунча чиқармоқ, шона пайдо қилмоқ (ғўза ўсимлиги ҳақида). *Ғўзалар ёппасига шоналади.* — *Ғўзалар энди шоналаб, кўсак боғлаб келаятган бир маҳалда, .. шаҳар заводлариға пахта ташиллиши Ғуломжонни ажаблантирмади.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ШОНАЛАМОҚ II** Сочини тарамоқ. *Гулчеҳра .. сочини ювиб, шоналаб тур-*



ган чоғида, ўғил ўрнига кўриб юрган ғози олдига келиб йиқилиб ўлган эди. «Эрли ва Шерали».

**ШОНА-ШОНА** Шонаси жуда кўп, ғуж-ғуж, шигил. Қизил гул шона-шона, Қўлимда ангишвона, Ангишвона деманелар, Ёрдан келган нишона. «Кўшиқлар». Ерга экдим дурдона, Гул очди шона-шона. Т. Тўла.

**ШОНЛИ** Шон-шарафга эга бўлган; яхши ном чиқарган, донг таратган; шуҳратли. Шонли Ленин комсомоли. Шонли Коммунистик партия. Шонли йўли босиб ўтмоқ. — Шонли, қўдратли буюк байроғимиз бўлсин омон. Ҳабибий.

**ШОН-ШАВКАТ** [а] Шон ва шавкат, шон ва шуҳрат. Шон-шавкатга, ҳокимиятга уларнинг иштаҳалари ҳам-иша карнай. Ойбек, Навоий.

**ШОН-ШАРАФ** [а] Шон ва шараф; шарафлар. Пахта ҳали жуда оз бўлса ҳам, колхознинг шон-шарафи ва давлати. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Йўқ! Шу шон-шарафни, ҳаёт қолиб, ўз кўзларим билан кўрмоқ, юрагим билан туймоқ истайман. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси, у ғалабанинг ёрқин нишони. И. Раҳим, Чян муҳаббат.

**ШОН-ШУҲРАТ** [а], шону шуҳрат айн. шон-шавкат. Донога иш шону шуҳрат, нодонга иш ғаму кулфат. Мақол. — Биласан-ку, бизнинг ўлкада Аллақачон тутқунлик битган! Озод, эркин қизлар таърифи, Шон-шуҳрати оламга кетган. Зулфия.

**ШОП** [ф-т] эск. Учи орқага қайрилган тигли қилич. [Мингебоши] шопу камарини белда кўриб бирам қувонди, бирам қувондики, шопини авайлаб кўзларига келтирди-да, тўтиё қилиб кўзларига суртди. М. Исмоилий, Фарғона т. н: Шоп мўйлов 1) қатта, узун мўйлов; 2) узун мўйловни, мўйловни узун киши. Ҳайдарга бир шоп мўйлов одам Қўлин бизиз қилиб ўқталди. Ю. Шомансур.

◆ Қўлини шоп қилмоқ қўлини олдинга қўзиб ўқталмоқ. — Ҳой, сен, — қўлини шоп қилиб Майнага ўшқирди. — Менинг бошимга аслзода эрни ўлдириб келдингми? А? Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ШОПИРИЛМОҚ** шопирмоқ фл. мажх. н. Худди улуг майдонда бугдой шопирилаётганга ўхшарди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Элмурад куралган қорлар шопирилиб тушиб турган кўчанинг ўртасидан, янги тушган издан кетмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ШОПИРИНМОҚ:** юраги шопиринди ҳаяжонланди, ҳовлиқди. Анвар Султони мирзога бояги ватдани бериб, бу хабар билан юраги шопиринган ҳолда уйга келди. А. Қодирий, Мехробдан қаён. Уч кишидан уч хил гап эшитган Нафисахоннинг юраги шопириниб, тинчмай, эртасига самолёт билан Тошкентга келди. Мирмуҳсин, Умид.

**ШОПИРИШМОҚ** шопирмоқ фл. бирг. н. Улар ғаллани шопиришди.

**ШОПИРМОҚ** 1 Идишдаги суюқ овқат ёки ичимликни чўмич билан олиб, яна қайта қуймоқ (шу ҳаракатни такрорламоқ). Айронни шопирмоқ. — Муқимий. — Ўйра Созиҳондан кечаги мақомни ёлғиз ўқиб беришни илтимос қилди, шўрвани шопириб туришни ўз гарданига олди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. — Икки овул орасига ўт ёқиб исинолмайсан, тоға, — деди Эримбет хотиржамлик билан қимиз шопириб. А. Мухтор, Қорақалпоқ қисаси.

2 Янчилган ғаллани шамолга тутиб, қипиқ ёки чўп хаслардан тозаламоқ, совурмоқ. Бугдойни шопирмоқ. Шолани шопирмоқ. | Уюлган пахта, шулха, сомон каби нарсаларни курак, паншаха билан иргитиб шамоллатмоқ. Қўз илғамас дала оппоқ пахтазор, Ишлаб ҳориган сирғилар офтоб. Пахта булутини шопириб бир чол Қуритади уни, олтинни, шу тоб. Зулфия.

3 Учирмоқ, тўзитмоқ. Дашнобод боғида барглар сарғайиб бўлган, куз шамоллари уларни шопириб кетган. С. Ахмад, Уйлар. Атрофи бир зум жимигандай бўлади-ю, дам ўтмай ачиқ изғирин шовиллаб, димик айвонга ёпирилади-да, ўчоқ олдидаги хас-хашакни ҳовли саҳнига шопириб ўйнайди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

**ШОПИРТИРМОҚ** шопиртирмоқ 1, 2 фл. орт. н. Шўрвани шопиртирмоқ.

◆ Юракни шопиртирмоқ ҳовлиқтирмоқ, ҳаяжонлантирмоқ. Ўзбек ойим, ҳамиша юрагини шопиртириб, миясини машғул қилган муддаони айтиб солиш ғурбатини қочирмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШОП-ШАЛОП** [ф-т] эск. Амалдорлар тақиб юрадиган қилич, ханжар, тўпночна каби қуроллар, қурол-аслаҳа. Нонуштадан кейин биров эшикни қаттиқ тақиллатди. Қомил юзуриб чиқиб останада шоп-шалоп осган сержаҳл бир миришбни кўриб, кўрққанидан салом беришни ҳам унутиб қўйди. М. Оснм, Тилсиз гувоҳ. Шу чоқ икки ясовул отда гусур-гусур қилиб, шоп-шалопларини шарақлатиб устахона олдига келиб тўхтади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ШОССЁ** [р < фр] Тош терилган ёки асфальт, бетон ва ш. к. ётқизилган кенг йўл; тош йўл.

**ШОСУПА** [ф-т + а] Ҳовли ёки боғ ўртасида бўладиган қатта супа. Шосупада, ҳовуз бўйида Ёнбошладик охири ҳориб, Офтоб кириб кетди уйига, Юлдуз чиқди осмонни ёриб. Ҳ. Шарипов. Шосупа устига сувлар сепилган, Атрофига яхши гуллар экилган. «Рус-там».

**ШОТЕРАК** [ф-т] Пирамидасимон тик ўсадиган йирик терак.

**ШОТИ** 1 Араванинг ўқи ва гилдирагидан ташқари юқори қисми. Шотида ўтирган тўранинг аравакаши отга

қамчи ҳам урмайди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Араванинг от қўшиладиган икки ён ёғочи. «Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқлиаб кетаверди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

3 диал. Нарвон. Пўлатжон унинг ишини кўзатиб турди-да, кейин темир шоти билан юқорига қўтарилди. С. Ахмад, Қадрдон даладар.

**ШОТИКАПА:** шотикапа атлас хон атласнинг бир тури. — Чакка сочлари оппоқ оқарган, .. шотикапа атлас кўйлак кийган озғингина Сўнагул кўз олдимага келди, — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ШОТИР** [а] тар. 1 Подшо, хон каби олий амалдорлар отини ётақлаб, тутиб юрувчи навкар; жиловдор. Шоҳларнинг олдида бўлар шотири, Ёвча бўлар йигитларнинг ботири. «Равшан».

2 кест. Бировнинг хизматини юғуриб-елиб қиладиган хизматкор; югурдак. Султон Суллоҳоннинг шотирлари типирчилашиб қолишди: бухалтер Шотурсун Шомирзев бир болани магазинга югуртирди. Т. Алимов, Хиргойи. — Қомиссия! — деб хитоб қилибди Ғаниев. Шундан кейин шотирларнинг оёғи ерга тегмай, у ёқ-бу ёқни йиғиштиришга тушишибди. С. Султонов, Беш бошлиқ.

3 диал. Хон ёки шохни ўтқазиб кўтариб юриладиган махсус ўриндик; тахтиравон, маофа. Ичкаридан хон кўринди, уни тўрт навкар шотирда олиб келарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ШОТЛАНД** қ. шотландлар. Шотланд тили. || Шотланд аёл.

**ШОТЛАНДҚА** [р] Пахта ипидан ёки жун, ипак аралаштириб тўқилган рангдор катак-катак газмол.

**ШОТЛАНДЛАР** Шотландиянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқ, шотланд халқи.

**ШОТУТ** [ф-т] 1 Тут дарахтининг тут гуллилар оиласига мансуб, меваси тўқ қизил бир нави.

2 Шу дарахтнинг тўқ қизил нордон меваси.

**ШОФЁР** [р < фр] Автомобиль ҳайдовчи киши. [Мирғиёс:] Кабинаси бўлиб бўлса ҳам, шофёрнинг ёнига ўтирмадим. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**ШОХ** 1 [ф-т] 1 Ўсимлик, дарахт ёки бута танасидан ён-верига ўсиб чиққан тармоқ; бутуқ. Дарахтнинг шохини кесмоқ. — Келди ёз чоғи, Мевалар нишди. Олмалар шохи Эгиллиб туиди. И. Муслим. Ҳа, Қодировга ишларинг тушмабди, сизлар дарахтнинг шохида бўлсаларинг, мен баргида юраман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шох отмоқ шох чиқармоқ, шохламоқ. Шох отган тут ҳосил шох, мевали шох, мева берадиган шох.

2 Сяниб тушган, кесилган новда, бутуқ ёки шох-шабба. Шахларни ёқмоқ. || Шох ўтин. — Раҳналарига янтоқ ва шох босилган наст дёворчи ҳов-

диларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди. С. Айний, Куллар.

◆ **Шох ариқ** бир неча пайкалга сув берадиган асосий дала ариғи.— *Хозирча марза текислаб, шох ариқ чопямиз,— деди Комилжон Муродовага. И. Рахим, Ихлос.*

**ШОХ II** [ф-т] Баъзи ҳайвонларнинг бошидан ўсиб чиқадиган суяксимон қаттиқ ўсимта; мугиз. *Шох чиқармоқ. Буғу шохлари. Шохдан қилинган тароқ. Шох соққа. Хўкизининг шохига урсане, тўғи зирқирайди. Мақол.*

◆ **Шоҳинг чиқадими?** бирор еринг ортиб қоладими? **Шоҳини синдирмоқ** (ёки қайирмоқ) бирор ёмон ниятдан воз кечишга мажбур қилмоқ; таъзирини, адабини бермоқ. [Муаттар:] *Бир ялангоёқ Пўлатнинг шохини қайиролмаган йигит осмондаги юлдузга қўл чўзса қизиқ бўлар экан. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Шох ташламоқ с. т. 1) оқсоқланиб юрмоқ, оқсоқламоқ, чўлоқланмоқ; 2) бир томонга оғмоқ, қийшаймоқ. Варрак шох ташлади. ■ Тожихон бирдан шох ташлаб қаҳқаҳа урди. Мирмуҳсин, Югурдак; 3) у ён-бу ёнга эгилиб ўйинга тушмоқ, ўйнамоқ. Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан мақомга шох ташлаб, кўзларини сузиб ўйнардилар. Ойбек, Навоий; 4) бирор томонга ён босмоқ, беқарорлик қилмоқ. Убайдуллаҳўжа ағлам .. кимдан кўпроқ пора олиш ниятида дам у, дам бу томонга шох ташлаб, уларни [бойларни] икки ой овера қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг шохини борми? унинг бошқалардан нима ортиқлиги бор?*

**ШОХАЛАК** айн. шоҳилак.

**ШОХИЛАК** Олабўта гулдилар оиласига мансуб, шўр ва тақирликда ўсадиган барги майда ва ширали бута ўсимлиги.

**ШОХЛАМОҚ** Шох, бутоқ чиқармоқ, шох отмоқ (ўсимлик ҳақида). *Зокир ота ғўза шохласа, кўсақ кўпаяди деган фикрга қўшилди, лекин ҳосил ортади деган фикрни рад қилди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Тўрт йигит бирдан тўрт тарафга шохлаб кетган, қучоққа сиймайдиган ёнгоқларга чиқиб, узун хода билан қарс-қарс қоқа берди. Ойдин, Ямоқчи кўчди.*

**ШОХЛАТМОҚ** **шохламоқ** фл. ўзл. н. **ШОХЛАТИЛМОҚ** **шохлаत्मок** фл. мажж. н. Унинг фикрича сунъий шохлатилган ғўзанинг юзта сунъий кўсагидан кўра, шохлатилмаган ғўзанинг ўнта табиий кўсаги афзалроқ — оғир ва пахтасининг толаси узун бўлиши керак эди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ШОХЛАТМОҚ** **шохламоқ** фл. орт. н. Болтабой .. ғўзани кўпроқ шохлайтиш имкониятига эга бўлинса, кўсақ кўпайиши, демак ҳосил ортишини айтиб, Иброҳимовнинг фикрини ёқлади. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ШОХЛИ I** Поясидан шох ўсиб чиққан; сершоҳ. *Шохли дарахт. Шохли ғўза.*

**ШОХЛИ II** Бошида шохини бўлган. *Шохли қўйлар. Шохли кийик. Шохли қорамол.*

**ШОХОБЧА I** Катта сув йўлидан тарқалган кичик сув йўллари: канал, ариқ ва ариқчалар. *Канал шохобчаси. Ариқдан шохобчалар чиқармоқ. ■ Хоразм ирригаторлари бу дарёнинг [Амударёнинг] қуйи оқимида янги-янги шохобчалар бунёд этаётирлар. З. Сатиев, Туямўйин канали. [айн. тармоқ. Темир йўл шохобчалари.*

2 *кўчма* Бир турдаги ташкилот, корхона ва ш. к. мажмун. *Савдо шохобчалари. Партия маорифи шохобчалари. Ўқув юрталари шохобчалари.*

**ШОХСИЗ I** Шоҳини, бутонини ёки новдаси бўлмаган, шох-шаббаси кесилган. *Шохсиз дарахт.*

**ШОХСИЗ II** Бошида шохини бўлмаган, шохини йўқ, тўқол. *Шохсиз эчки. Шохсиз сиеир.*

**ШОХ-ШАББА I** Дарахт ёки бутанинг шохлари ҳамда шохлардан иборат қисми. *Шох-шаббаларни кесмоқ. ■ Ел кетма-кет бўжирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қарс синар, кекса ёғочлар ғийқ-ғийқ этиб ёлворини овози чиқарар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Шундай шохлардан иборат ўтин; қуруқ шохчалар. ■ [Низомжон] *ўзи ғишт қуйиб, ўзи девор кўтарди. Тенасига тўсиқ териб, шох-шабба бостириб, лўмбоз қўйишига тайёрлади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ШОША-ПИША** рвш Шошилинич равишда, шошган ҳолда. *Шоша-пиша кийинмоқ. ■ Турсуной .. шоша-пиша кеч қолганлик сирини тушунтира бошлади. Н. Фотих, Турсуной.*

**ШОШГАН(И)ЧА** айн. шоша-пиша. *Шошганича машинага минмоқ. ■ — [Оқсоқол:] Бу кишига ҳам «форма»дан берасан,— деди ва шошганича чиқиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ШОШИБ-ПИШИБ** айн. шоша-пиша. *Шошиб-пишиб гапирмоқ. ■ [Алишер] шошиб-пишиб мешкобнинг оғзини очиб, тўйиб-тўйиб сувдан ичди, ичди-ю, бирдан кўзи равшанлашиб кетди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.*

**ШОШИЛНЧ I** сфм Тезда бажарилиши лозим бўлган; ошиғич. *Шошилинич заказ. Шошилинич мажлис. Шошилинич иш. Шошилинич телеграмма. || Иши жуда ҳам шошилинич эмас. ■ [Бошилик:] Агар биз шошилинич чора кўрмасак, иш яна жиддийлашади. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

2 рвш Шошган ҳолда, шоша-пиша, шошиб-пишиб. *Биз шошилинич йўлга чиқдик. ■ У [Қудрат] бузисининг қисташи билан .. Фарғонага шошилинич телефон заказ қилди. Мирмуҳсин, Умид. Қоҳозчи деҳқонлар кўчма қум билан тўлган ариқларни шошилинич равишда тозаладилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

3 *от* Шошиб турилган пайт. *Шошилиничда китобини унутибман.*

**ШОШИЛИШ** **шошилмоқ** фл. иш оти. *Шошилишининг ҳожати йўқ. Шошилишида калиши адаш бўлибди. ■ Бу растада минг хил кийимли оломон йўқ, шошилиши йўқ, қўлни сиқиб «бор баракка тон»лар. ҳам йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ШОШИЛИШМОҚ I** **шошилмоқ** фл. бирг. н. *Бир кун станцияга вагонлар сиғмай кетди. Хаммаси ҳам ғарбга шошилишарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Мушак нури сўна бошлиши билан жангчилар шошилишиб қайиқларга ўтириб олдилар. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.*

2 с. т. *Шошмоқ. Мансур, шошилишма. Туегун учини топамиз [деди Зухра]. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача. Мен товушимга шошилишган тус бериб, «мен, мен, очинг тезроқ!» дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ШОШИЛМОҚ** **шошмоқ** фл. ўзл. н. айн. **шошмоқ. Мунча шошилисан?** ■ *Адолат шошилиб уни [журналини] варақлай бошлади. С. Зуннунова, Гулхан. Тол шохидеги болалардан бири шошилиб туша бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бедармон бўлишига қарамай, бика укаси билан амакисини кўришга шошиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ШОШИЛТИРМОҚ** **шошилмоқ** фл. орт. н. *Тўй айтишига осон. Уни ҳар қанча кичик, ихчам қиламан деманг, тўй кунни яқинлашган сари камчиликларингиз ўзини яққол кўрсатиб, сизни шошилтириб қўяди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар. Кимлар кетмоқ билан, кимлар чўкич ва ё замбил билан ишлар эди. Уларни ҳеч ким шошилтирмас, ҳеч ким югуртирмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ШОШИРИШМОҚ** **шоширмоқ** фл. бирг. н. *Гостраҳдан, пулингени олиб кет, деб шоширишяпти. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.*

**ШОШИРМОҚ I** Бирор ишни тезроқ бажаришга ундамоқ, қистамоқ. *Робия холам шоширгани учун пардозим ҳам чала қолди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *Хаяжонга солмоқ, ҳовлиқтирмоқ, эсанкиратмоқ. Бемаҳал ёққан ёғмир ҳаммани шошириб қўйди. ■ Икки томондан қилинган ҳужум Дилишодни шошириб қўйди. И. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўсақлар эса минут сайин патир-путур очилиб, ўз эгаларини шоширар эди. А. Хайитметов, Пўлат бармоқлар. Мантиқсиз бу жавоб уни шоширди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ШОШМА-ШОШАР** Ишни тез бажаришга интиладиган, шошиб иш қиладиган; шошқалоқ. *Шошма-шошар бола.*

**ШОШМА-ШОШАРЛИК** **шошма-шошар** с. белги оти. *Шошма-шошарлик қилмоқ. ■ Фурсат қўлдан бой берилгани учун шошма-шошарлик бошланади ва бунинг натижасида ишлар сифатсиз бажарилади. «С. Ўзбекистон», 1964, 30 август.*

**ШОШМОҚ** 1 Ишни тез бажаришга интилмоқ, ошиқмоқ. *Шошиб кийинмоқ. Шошган қиз эрга ёлчмас. Мақол. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди. Мақол. — Махдум шу кунга Анвар билан Раъноларнинг тўйларини қилишга шошмасдан келар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

2 Бирор жойга тезроқ етиб олиш мақсадида тиришиб олға ҳаракат қилмоқ, тез юрмоқ. *Шошмасанг, тез етсан, шошгандан ўзиб кетсан.* Мақол. — *Қимлар чархипалак, каплон томонга, кимлар беда бозори, хода бозорига шошади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Тўсатдан юз берган иш-ҳаракат туйфайли ховлиқмоқ, ҳаяжонланмоқ; эсанкирамоқ. *Тўсатдан меҳмонлар келиб, шошиб қолдим. Шошганда лаббай топилмас. Мақол. — Қудрат эса болаларнинг гапини тинглашини ҳам, атрофдаги бой манзараларни кўриб олишини ҳам билмай, шошиб қолган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

◆ **Ақли шошиди** қ. ақл. **Шошма ҳали ёки ҳали шошма** қараб тур, жазонгни тортасан (дўқ, пўписа). **Шошма ҳали, пешанандан отиб эрга чўзилтирмасан, одам боласи эмасан.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШОШТИРМОҚ** шошмоқ *фл. орт. н. с. т.* — Қани, бўлларинг, сувни соч азаматлар, ҳа! — деди *Матқовул.* болаларни шоштириб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШОШҚАЛОҚ** *айн. шошма-шошар.* — *Вой укам, нима деяпсан ўзинг! — деди Муса ака ранжиб, — биз унақанги шошқалоқ болалардан эмасмиз. Х. Тўхтабоев, Илтимос. Уст-боши лой, юз-кўзи қурум, жулдур, шошқалоқ одамлар бир-бирини танимас, гап қотгани вақти йўқ эди. А. Мухтор, Чинор.*

**ШОШҚАЛОҚЛАМОҚ** Шошиб ҳаракат қилмоқ, шошиб қолмоқ, шошмоқ.

**ШОШҚАЛОҚЛИК** шошқалоқ *с. белги оти.* Ёдгор яна дон сепди. Энди хўрозчаси бояги шошқалоқлик билан эмас, салобат билан битта-битта теришга турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўринди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ШОШҚИН** 1 Шошиб тез ҳаракат қиладиган; бирор томонга ошиқаётган; шошаётган. *Шўх қизлардай қанча шошқин бўлсанг-да, Қирибдурсан меҳнат аҳли қўлига. Ғайратий. Тез оқар шошқин дарёнинг .. соҳил бўйларидаги дарахтларнинг сарв қолати аста-секин кўрина бошлади, тонг эндигина ёришаётган эди. А. Раҳмат, Т. Аҳмедовнинг баҳодрлиги.*

2 *айн. шошилич* 1. *Эшикдаги шартани уйдасилар сёзди шеклли, девор орқасидан шошқин ҳаракатлар, оёқ то-*

*вушлари, гап-сўзлар эшитилди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

**ШОШҚИНЛИК** шошқин *с. белги оти.* Унинг одимларида шошқинлик йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШОШҚОҚ** *с. т.* Шошма-шошар, шошқалоқ.

**ШОЯД(КИ)** [ф-т] *модал с.* Эҳтимол, балки; қани энди, зорак. *Шояд у келиб қолса! — Шояд ўйлаганларининг чап-пачи чиқса, шояд севгилисиз нажот йўлини топиб келган бўласа? Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. У уфқ манзилдир, коммунизмдир! Ўс, ўғлим, шу йўлдан дадил, марғур бор, Шоядки шу йўлда бўлсанг байроқдор, Шу менинг оталик умид, орсумдир! Шухрат.*

**ШОҚУЛ** Бинокорликда девор, устун ва ш. к.нинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига тош боғланган ипдан иборат асбоб; шовун. *Соланганда шоқулнинг ипи, Уюм-уюм ғиштар ётганда, Мен кўраман барчасини ҳув — «Ўн иккилар» аҳди-шахтини! М. Али.*

**ШОҲ** [ф-т] 1 *айн. подшо(х).* Эрон шоҳи (тар.). Шоҳнинг қизи. Шоҳнинг хотини. — *Шоҳ боласига юрт ва сипоҳ, дарवेश боласига масжиду хонақоҳ керак. Ойбек, Навоий. Уйлама, ўлеунча ҳар ким бу разолтада кетар, Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шахзодадур. Ҳамза.*

2 Шаҳмат ўйинида: энг асосий фигура. *Бир вақтнинг ўзида рақиб шоҳига ва доналаридан бирига ҳужум қилиш икки ёқлама зарбанинг энг кўп учрайдиган хилидир. М. Мухитдинов, Шаҳмат.*

3 Шаҳмат ўйинида: бирор дон билан бевосита рақибнинг шоҳига қилинадиган ҳужум; кишт. *Шоҳ бериб мот қилмоқ. — Мирза Мухтордон қалтир бир шоҳ бериб, Мухторхон ўйланиб қолди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

4 *с. т.* Қарта ўйинида: тождор чол расми тасвирланган, куч жиҳатидан туздан кейин турадиган қарта.

5 *кўчма* Нарса ёки кимсаларнинг энг яхшиси, сараси. *Қушлар шоҳи бургут. — Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун, Тамоми ҳусн элининг шоҳи султони бир келиб кетсун. Ҳамза. || Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули. Айний, Дохунда. Шоҳ сатрларда Безмак чоғидир умр дафтарин. Ҳ. Фулом. Бир юлдуздор етти кўкда — флакда, Коинотнинг машғалига ўхшатдим. У, дунёга тақдир қилди шоҳ асар, Мен ҳам унга шу дostonни яратдим. Шайхзода.*

**ШОҲАНШОҲ** [ф-т] Эрон шоҳининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Ул улуг шавкатли шоҳаншоҳ кечаси муҳим давлат иши билан машғул бўлиб энди ўхламоққа майл бўлдилар. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.*

**ШОҲИ** [ф-т] *айн. шойи.* Сен ухлайсан, аммо Марғилон сенга атаб тўқийди шоҳи. Ё. Мирза. Анвар Мурод кенг деразаларнинг шоҳи пардаларини

*кўтарди. Ойбек, Нур қидириб. Уялди-ю, ҳеч гап айтмайин, Уйга қараб секин қўзғалди. Сув бўйида ойдинда майин. Битта шоҳи рўмолча қолди. Ҳ. Олимжон.*

**ШОҲИД** [а] Бирор иш, воқеа, хатти-ҳаракатда бевосита иштирок этган, қатнашган ёки кўрган шахс; гувоҳ. *Йўқ .. исбот учун виждонимдан бошқа шохидим йўқ! [деди Отабек]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ! Шоҳидим бор! — Фуломжон томоғи қирилиб, ранги ўчиб, бўзариб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қушгирий шошиб-пишиб, ўзи шохид бўлган воқеалардан гапириб берди. М. Орсун, Сехрли сўз.*

**ШОҲИДЛИК** шохид *с. мавҳ. от.* Шоҳидлик бермоқ. Шоҳидлик қилмоқ. **ШОҲИЧИ** *айн. шойифуруш.* Зиё шохичи эрталабки чойни ичиб борарман деган эди, биз унинг билан ҳам тўй кенгашиларини қиламиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ШОҲЛИК** 1 Шоҳнинг мансаби, мавқеи. *Ҳаддан ошиб кетди кўрган меҳнатим, Қўлдан кетди бари шохлик давлатим. «Рустам».*

2 Шоҳнинг қўл остидаги давлат, мамлакат, эл-юрт.

**ШОҲНИШИ** [ф-т] *эск.* Подшо, хон каби олий ҳукмрон ўтирадиган, унинг тахти қўйилган хона. *Бу дарвозадан хоннинг ўзи юрмас, чунки унинг ҳарамга кирадиган йўли ўз маҳкамаси ва шохнишин орқали эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ШОҲНОМА** [ф-т] 1 (Ш — катта) Фирдавсийнинг қадимги шоҳлар тарихига бағишланган поэмасининг номи.

2 Умуман йирик бадний, кўпинча шеърый асар. *Ҳаётимиз ҳали минг шоҳномалар бўлади. Ҳ. Фулом.*

**ШОҲОНА** [ф-т] 1 Подшоҳларга хос, шоҳларда бўладиган, олий даражадаги, жуда яхши. *Шоҳона кийим. Шоҳона жиҳоз. || Шоҳона кийинмоқ. Шоҳона яшамоқ. — Ҳожихонни .. айиш-ишратлар, шоҳона машаатлар чарчатди. Етти йил етмиш йилнинг тамғасини босиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шу орада тикдирди ўзига либос, Бир либоски, шоҳона, Шоҳ қизига хос! Шухрат. Шоҳона тузилган мўъжазгина чорпоёда амиркун маҳси-кавушли семиз бир киши гердайиб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *кўчма* Дабдабали, ҳашаматли; Шоҳона уй. Шоҳона тўй.

3 *кўчма* Энг йирик ва энг яхши, оламшумул. Қосмосга биринчи одамнинг .. парвоз қилиши совет кишилари ижодий меҳнатининг шоҳона самараси бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 136. Унинг [Пушкиннинг] шоҳона асарлари яна кўп-кўп янги санъат дурдоналарини яратишга асос бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 35.

**ШОҲРОҲ** [ф-т] *кт.* Катта йўл, бош йўл. Қондош, қариндош, жондош, қар-

дошу ҳукмрон эл, Улуғ Қоммунизмнинг шоҳроҳига йўналди. Ғ. Ғулом.

**ШОҲСУПА** айн. шосупа. Шоҳсупага оқшом нафасин Сув бўйдан урарди райҳон. Шукрулло. Булар [меҳмонлар] кириши билан ойдийда шоҳсупадан барваста бир одам қўзғалиб: «Хуш келибсизлар»,— деди. А. Мухтор, Чинор.

**ШОҲТУТ** айн. шотут. Шоҳтут қидмин бир тотиб кўрсанг, Ажиб мўъжиза экан-ку дersen. Шухрат.

**ШПАКЛЁВКА** [р] Бўяш олдидан тешик-ёриқларни беркитиш учун ишлатиладиган махсус замазка. Шпаклёвка сурмоқ. Шпаклёвка қилмоқ тешик-ёриқларни замазка суриб беркитмоқ, текисламоқ.

**ШПАЛ** [р шпала] Кўндаланг ётқизиладиган ва рельслар учун таянч вазифасини ўтайдиган ёғоч, темир ёки темир-бетондан тайёрланган чорқирра тўсин. Гудрон суркалган дарахт ёнмайд, у синғдирилган темир йўл шпаллари эса чирмайд. Д. Эргашев, Ижодкорлар.

**ШПАРГАЛКА** [р < полякча] Имтихон вақтида ўқувчи, ўқитувчига билдирмай, яширинча фойдаланадиган жавоблар ёзилган қоғоз. Розия имтихон пайтларида бўлган қизиқ-қизиқ воқеаларни, шпаргалка ишлатиб қўлга тушиб қолаётганини кула-кула гапириб берди. О. Ёқубов, Тила узук.

**ШПАТ** мин. Силикатларга мансуб баъзи минералларнинг умумий номи. Дала шпати.

**ШПАТЕЛЬ** [р < нем] 1 Замазка ёки шпаклёвка суртиб текислаш учун ишлатиладиган ясси куракча шаклидаги асбоб.

2 Танглайни кўриш учун ишлатиладиган ясси металл асбоб. Оғиз бўйлигини қараш учун оғзини катта очиб, тилни ҳар томонга ўеириб, қошиқ банди ёки шпатель билан тилни босиб қаралади. Н. Исмоилов, Қасалларни парварниш қилиш.

**ШПЙЛЬКА** [р < нем] Сочга тўғнаб қўйиладиган айрисимон буюм. Суяк шпилька.

**ШПИНДЕЛЛИ** Шпиндели бор, шпинделларга эга. Горизонтал шпинделли пахта териш машинаси.

**ШПИНДЕЛЬ** [р < нем] тех. 1 Металл кесиш станогининг ишланадиган детални ёки кесувчи асбобни қисиб турадиган ўқи.

2 Канон ёки цилиндр шаклидаги тишли пўлат валик. Пахта териш машинасининг шпинделлари. — Механик усул билан пахта терилганда, вертикал ёки горизонтал шпинделлардан фойдаланилади. Қ. Зокиров, Мўл-кўлчилик учун.

3 Ип йигирувчи машинанинг дуги; йнг.

**ШПИОН** [р < нем] Давлат ва ҳарбий сирларни махфий равишда билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мамлакатга, душман томонга етказувчи шахс; жоус.

**ШПИОНЛИК** шпион с. касб оти. Шпионлик билан шуғулланмоқ.

**ШПОНКА** [р < нем] тех. Машина ва механизмларда: деталларни бириктирувчи қисм.

**ШПОР** [р шпора < нем] Отлиқ ҳарбийларда: отни қисташ учун хизмат қиладиган, этик орқасига бириктириб қўйиладиган филдиракчали темир асбоб. Қонвойлар отларнинг биқинларига шпорларини қадашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Майна совуқ еган оёқларини ўйнаган эди, хром этигидаги шпорлар шиқиллаб кетди. Ш. Топматов, Эрк қуши.

**ШПОРЛИ** Шпор ўрнатилган, шпор тақилган. Ҳоким қўл қовуштириб турган одамларни кўрмагандек, тўғри шосупага борди-да, бахмал кўрпа солиниб, нар ёстиқлар уюлган тўрға шпорли этиги билан чиқиб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШПРИЦ** [р < нем] Медицинада баданга суюқ дори, қон юбориш, қон олиш учун ишлатиладиган ичи тешик игнали ва поршеньли цилиндрдан иборат асбоб. Шприцнинг игнаси. — Гулноз шприцга алақандай суюқ дори солиб кирди ва укол қилиш учун беморга яқинлашди. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**ШРИФТ** [р < нем] Босмахонада текстларни териш учун ишлатиладиган муайян шакл ва ҳажмдаги ҳарфлар ва белгилар ҳамда уларнинг қоғозга босилган изи. Йирик шрифт. Курсив шрифт. Шрифт термоқ.

**ШТАБ** [р < нем] 1 Ҳарбий қисмларни бошқарувчи орган. Бош штаб. Полк штаби. Дивизия штаби. — Қанидан асирни штабга элтиш ҳақида буйруқ бериб жўнади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Кенгаш борар ҳарбий штабда, Қайнамоқда иш булоқ-булоқ. Х. Пўлат. Биз энди дарҳол бош штаб ҳузуридаги ҳарбий кенгаш қарорларини амалга оширишимиз лозим. К. Яшин, Генерал Раҳимов.

2 кўчма Раҳбарлик органи. Районларда ташкил этилган штаблар даярли кенгаш кундуз ишлаб турибди. «С. Ўзбекистони», 1966, 22 май. Академия илғор фанлар маконигина эмас, шу фанларнинг штаби ҳамдир. «С. Ўзбекистони», 1968, 2 апрель.

**ШТАБ-КВАРТИРА** [р] Ҳарбий штаб ўрнашган жой, штаб қароргоҳи. Кечқурун соат 19да Юрьев Ильичёвка қишлоғидаги штаб-квартирада кенгаш чақирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШТАМП** [р < итал] 1 Қорхона ёки ташкилот номи ёзилган, одатда хужжатларнинг чап томонига ёки тепасига босиладиган печать. Қолхоз штами. | Шундай предметнинг қоғозга босилган изи. Унинг ичидеги иккига букланган қоғознинг юқорисиди, .. журналнинг штами бўлиб, остига «.. ўртоқ Саидий» деб ёзилган эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Босим ёки зарб уриш йўли билан буюм ёки деталь ясайдиган қолип.

Марказий Комитет Пленуми .. штамп ва асбобларни алмаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш .. юзасидан конкрет вазифаларни белгилади. «Қ. Ўзбекистон», 1959, 11 июль.

3 кўчма Ишлатилавериб сийқаси чиққан, тайёр намуна, бир қолпдаги гап ёки ибора; шаблон. Адабий штамп.

**ШТАМПЛАМОҚ** 1 Штамп босмоқ. Хатларни штампламоқ.

2 тех. Штамповка йўли билан бирор нарса тайёрламоқ. Деталларни штампламоқ.

**ШТАМПЛАНМОҚ** штампламоқ фл. мажҳ. н. Штампланган қоғоз. Штампланган деталь.

**ШТАМПОВКА** [р] 1 Штамп воситасида буюм ёки деталь тайёрлаш; штамплаш. Штамповка қилинган буюмлар. Штамповка станогини.

2 Штамп воситасида тайёрланган буюм. Машинасозлик соаноотида қўйилмалар, штамповкалар ишлаб чиқарилган қорхоналарни ихтисослаштириш. «Қ. Ўзбекистон», 1957, 31 март.

**ШТАМПОВКАЧИ** Штамп воситасида буюм тайёрловчи, штамповка қилувчи ишчи, мутахассис.

**ШТАНГА** [р < нем] 1 Оғир юк кўтариб куч синашда қўлланиладиган, дастасининг икки учига маълум оғирликдаги дисклар ўрнатиладиган металл асбоб. Узоқ вақт стадион спортчилар билан гаважум бўлади. Бири штанга кўтаради, иккинчиси диск улоқтиради. Р. Исҳоқов, Қишлоқ спортчилари.

2 Футбол, хоккей ва ш. к. дарвозасининг тепа ва ён ёғочлари. Тўп штангага тегди.

3 Машина, механизмларда металл ғўладан иборат қисм, деталь.

**ШТАНГАЧИ** Штанга кўтариш билан шуғулланувчи спортчи.

**ШТАНГЕНЦИРКУЛЬ** [р < нем] Деталлар ва уларнинг қисмларини (эни, бўйи ва қалинлигини) ўлчайдиган асбоб.

**ШТАПЕЛЬ** [р < нем] Қисқа толали сунъий ёки синтетик ипдан тўқилган газлама. Майдонда одам қанчалик кўп бўлса ҳам, оқ йўлли штапель кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан ажратди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ШТАТ** 1 [р < нем] Баъзи буржуа федератив давлатларида маълум даражада ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган маъмурий-территориал бирлик. АҚШнинг Калифорния штати. Ҳиндистоннинг Мадрас штати.

**ШТАТ II** [р < нем] 1 Бирор муассасада ишловчи ходимларнинг доимий состави. Штатни қисқартириш. Штатдаги инженер. — Табелчилик штати керакми? — сўради раис бригадирдан. А. Мадумаров, Бригадирликда гап кўп.

2 Бирор муассасанинг ходимлари ва уларнинг вазифаларини, маошларини кўрсатувчи рўйхат.

**ШТАТИВ** [р < нем] 1 Турли асбоб,

химиявий идиш ва ш. к.ни муайян вазиятда тутиб турадиган мослама. *Микроскоп штативи*. Қолбани *штативга ўрнатиш*.

2 Фото ва киноаппаратлар ёки астрономия, геодезия асбобларни ўрнатиладиган уч оёқ.

**ШТАТСИЗ** Бирор муассаса штатда бўлмаган ёки штатда ҳисобланмайдиган. *Штатсиз мухбир*. *Штатсиз лектор*.

**ШТЭМПЕЛЬ** [р < нем] Тамға босадиган асбоб, печать. | Шундай предмети нинг изи. *Почта штемпели*. *Штемпель босмоқ*.

**ШТИК** [р штык] Милтиққа ўрнатиладиган найза. *Штик санчиққа*.

**ШТОРМ** [р < голл] Довул, пўртана. *Беш балли шторм*. *Шторм сигнали*.

**ШТРАФ** [р < нем] Айбдордан жазо сифатида ундириладиган ҳақ; жарима. *Штраф қилмоқ (солмоқ)*. *Штраф тўламоқ*. — *Жуда шафқатсиз одамларда, бу инспекторлар, — деб нолиди йигит бежавотир жойга етиб олгач, — қўйга тушсанг, штраф тўлаш билан қутулмайсан*. Қира қиялясан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШТРЕЙКБРЕХЕР** [р < нем] Капиталистик мамлакатларда иш ташлаш вақтида ишни давом эттириб, забастовкачилар манфаатига хонлик қилмаган киши. *Штрейкбрехер дегани ниди? Бу — қурашаётган пролетариат билан боғлиқ бўлган ва унинг коллектив бўлиб қурашиш пайтида оёғини чалиб юборадиган кишидир*. В. И. Ленин, Петербургдаги сайлов якуни.

**ШТРИХ** [р < нем] 1 Қорозга туширилган ингичка чизик. *Олпоқ қорозлар сатҳида итрих кетидан итрихлар, юмалоқ, конус, цилиндр шаклидаги қиёфалар стол устида сочилиб ётибди*. Т. Одибеков, Қолхознинг ўз расомлари бор.

2 *Кўчма* Бирор предмет ёки нарсадаги алоҳида хусусият, ўзига хос назик томон. *Актёрлар ҳам ўз ролларига ижодий ёндошганлар .. образларни комик итрихлар ёрдамида тўлдирганлар*. А. Акбаров, Ёр-ёр.

**ШТУРВАЛ** [р < голл] Кема, самолёт ва бошқа турли хил машиналарнинг ҳаракатини бошқарадиган руль. *Мастура, штурвалга ўтириб, «оқ олтин» денгизига ўшғиди*. Б. Файзиев, Ойдин кеча. У [Жерар] ярим ойда йлатираб турган штурвалга қўлини қўйиб, рўпарасидаги сон-саноксиз лампа .. ва циферблатларнинг кўк, қизил, бинафша шуваларига тикилиб ўтирибди. А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

**ШТУРВАЛЧИ** Штурвални бошқарувчи киши.

**ШТУРМ** [р < нем] 1 Душман истеҳкомига ёки таянч пунктига қилинган шиддатли ҳужум. *Қалъани штурм билан эгалламоқ*. — *Шиддатли штурм натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди*. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 *Кўчма* Бирор мақсадга эришиш учун имкон борича астойдил қилинган ҳаракат. *Альпинистлар чўққини штурм билан эгалладилар*.

**ШТУРМАН** [р < голл] Кема ва самолётларни энг мувофиқ йўл танлаб, бошқариб борувчи мутахассис.

**ШТУРМАНЛИК** штурман с. касб оти. *Штурманлик қилмоқ*.

**ШТУРМБОЗЛИК** айн. штурмчилик. Айрим корхоналар ойлик планларини ошириб адо этиптилар. *Лекин бунга штурмбозлик .. эвазига эришилмоқда*. М. Зоидов, Меҳнат қонуни.

**ШТУРМОВИК** [р] 1 Штурмчи самолёт. *Командирнинг ҳавода берган буйруғи билан йўдошининг штурмовиклар звеноси эскадрильянинг бошқа икки звеноси ўртасидаги позицияни эгаллади*. Х. Фулом, Ташкентликлар.

2 Фашистлар Германиясида: харбийлаштирилган нацистлар ташкилотининг аъзоси.

**ШТУРМЧИ** с. т. Паст учиб душманнинг ердаги, сувдаги кучларини ўққа тутувчи (харбий самолёт ҳақида). *Штурмчи самолёт*.

**ШТУРМЧИЛИК** Аввал бир текис ишламасдан орқада қолиб, вақт оз қолганда, планни бажариш учун шошилиш равишида тез ишлаш; штурмбозлик. *Заводларни кварталлар бўйича бир текис иш билан таъминламасликка барҳам бериш, йилнинг охирида штурмчиликни тугатиш зарур*. «К. Ўзбекистон», 1964, 29 январь.

**ШУ** (ж. к. шунга, ў-п. к. шунда, ч. к. шундан) *кўрс. олми* 1 Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидаги нарсани ёки кимсани кўрсатиш учун хизмат қилади; ушбу. *Шу нарса*. *Менга шу китоб керак*. *Эллик центнерчилар ҳаракатини шу бригада бошлаб берди*. *Мана шу жойдан кесинг*. *Менга шу ер маъқул*. *Ҳикоянинг шу ерига келганда гап бўлинди*. *Сиз шу ерда қолинг*. *Канал шу ердан бошланган*. *Сиз шу ерликмисиз? Шу атрофда унчалик узоқ бўлмаган жойда; яқин орада, яқин ўртада*. *Шу атрофда қудуқ борми? Болалар шу атрофда эди*. **Шу орада** ёки **шу ўртада** 1) яқин муддат орасида, айнн вақтда. *Шу орада раис келиб қолди*. *Шу орада тўй ҳам бўлиб ўтди*; 2) яқин орада, яқин жойда, унчалик узоқ бўлмаган жойда. *Сигирингни шу орада ўтлатиб юр!* *Кетмонни шу орада қолдирган эдим*. *Шу ўртада сув борми?* — *Шу ўртада бирдан .. хўжайин бориб қолдилар*. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 «Пайт», «вақт», «он», «дам», «момент» каби сўзлар билан келганда, сўз бораётган воқеа, нарса, ҳодиса ва ш. к.нинг бошқаси билан айнн вақтда, бир вақтда содир бўлганлигини ифодалайди. *Шу чоққача*. *Шу пайтгача*. *Шу вақтгача*. *Шу дамгача*. *Шу маҳалгача*. *Планни шу ой бўлмаса, янаги ойда бажарамиз*. *Шу пайтда от кишнаб юборди*. *Шу вақтда хўроз қичқирди*. *Шу онда бир киши кириб келди*.

— *Нақ шу паллада дарвозадан катта қора сизир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Шу онда ичкаридан ўз хотинининг товуши эшитилди*. А. Қаҳҳор, Майнз емаган хотин. *Искандаровнинг шу пайтгача разм солмаганини қаранг-а*. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. **Шунда** 1) ушбу ерда, бу жойда. *Билсанг: уйим шаҳарда, Келдим сенга саҳарда, Юр хўп десанг агарда, Ё шунда қоласанму?* Э. Воҳидов; 2) у холда, шундай холда, шундай пайтда. *Печка қурайлик, уй шунда исийди*.

3 Ҳозиргина содир бўлган ёки бўладиган иш, воқеа, нарса ёки ҳодисаларнинг маълум қисмини ажратиб кўрсатиш учун қўлланади. *Шу қиш жуда совуқ келди*. *Шу кунни ҳам мажлис, ҳам концерт бўлади*. *Шу гал мен ютаман*. *Шу гал ўйин жуда қизиди*.

— [Холмат:] *Аст бўламан шу кеча, маст бўламан шу кеча*. Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шу бу йил** амалдаги йил, ушбу йил. *Пахта плани шу бу йил ҳам бажарилса, яхши бўларди*. — **Шу бу йил** мевага кирган бир талай шафтоли, олча, беҳини кесиб [қол] ўтин қилипти. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Шу бугун** мазкур куннинг ўзи; айнн бугунги кун. *Менга китоб шу бугунга керак*. *Шу бугунги мажлис*. *Бўлиб ўтган воқеа шу бугунгидек эда турипти*. *Шу бугундан эътиборан дарсга қатнашаман*.

4 *от вазифасида* Сўзловчининг диққат-эътибори қаратилган нарса, кимсани ифодалашда қўлланади. *Шундан кейин (сўнг)*. *Менга шунинг ўзи кифоя*. *Шуни узатиб юборинг*. *Иш шунга бориб тақалди*. *Шундан бошқани билмайди*. *Қишлоғимиз номи шундан келиб чиққан*. *Менга шуниси керак*. *Шуниси яхши*. — *Йўлчининг ёдига ҳалиги қиз туғиди: «Шунинг қизи эмасмикин?» У пиёлага чойни қуйиб, Ёрматнинг одида қўйди*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Бизнинг шунимиз ёмонки, дарров бировнинг орқасидан янамиз*. Х. Шамс, Душман. *Саидий унинг шунисидан хурсанд бўлар ва ҳар сафар .. ўзини Аббосхонга одатдагидан яқинроқ сезар эди*. А. Қаҳҳор, Сароб. *Йўлчига шуниси қизиқ туюлдики, бу ерда қай томондан қараманг, ҳамма дарахтлар бир чизик устида текис саф тортиб туради, дарахтлар ўртасидаги масофа ҳам барабар*. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Кесим вазифасида келиб «мазкур нарсанинг ўзи», «ушбу нарса» маъноларини ифодалайди. *Ҳоҳласанг — шу, хоҳламасанг — катта кўча*. *Айтадиган гапим — шу*. *Ҳозирги давр талаби — шу*. *Унинг бўлган-тургани — шу*. *Унинг мақсади — шу*. — [Бўтабой:] .. *Аввал боши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтиришимиз керак, сўзим — шу*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Ёрмат:] *Ишнинг пир ургани — шу*. *Қишини чақиб қўяди*. Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай. *Шу тарзда (йўсинда)*,



хилда). Шу сабабли (сабабдан). Шу куйи. Шу тарзда уч қатордан ёзинг. Жўяк шу хилда олинади. Шу йўсиндаги шакллар. — Аҳвол қалай? — унинг тиланганини сезмаган бўлиб сўради Йўлчи. — Яширмайман, укам. Сен ҳам билмасликка солма. Аҳвол мана шу. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 У одам, у. Кечаги мажлисда сўзлаган шу. — Бу ердагилар орасида ҳамени қуруқ, сўзга тўлиқ шу [Абдушукур] эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Шу қадар чунонам, шу даражада ... Шу ҳам ишми? ёки шу ҳам иш бўлдими? сўзловчининг бирор иш, хатти-харакат, нарса ва ш. к.га салбий муносабатини билдирувчи ибора. Шу ҳам иш бўлди, нега кеч келдингиз? Кунни шунга қолипти ачинарли, ночор аҳволга тушинпти. Шу-да! «шундан бўлак нима ҳам бўларди» деган маънони ифодалайди. — Ё Фиёс каллага ўхшаи порахўр қози бўлар, шу-да! — деди хотин, яна рўмолини бошидан силтаб олиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шундан-шунга аллақанча ердан, анча узокдан. Шундан-шунга пийда келдим. — Азоб эрмас эди чиқмоқ кишига қиш ҳавосида, Бошинг ҳаққийки, шундан-шунга мен, сен бор, — деб келдим. Муқимий.

ШУАРО [а, бирлиги шоир] эск. кт. Шоирлар. Виждон талабларин тахрир этдик биз, Шуаро номидан имзо битдик биз. Ғ. Ғулом. Шуарога саховатнинг етти дарвозасини очишларига аминман. Ойбек, Навоий.

ШУБА [р] Авраси мўйнали устки қишқи кийим.

ШУБҲА [а] Бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик, гумонсираш; гумон. Қимдан шубҳанг бор? Шубҳага солмоқ. Шубҳага тўшмоқ. Шубҳада қолмоқ. Шубҳа туғдирмоқ. Шубҳа қилмоқ. Бировга шубҳа билан қарамоқ.

— Ҳаёлинган шубҳани қула, Юрагинда сақлама тугеун. Уйғун. Хотинда ҳаяжон ва энтиқиш ҳолатлари бор эди. Шунинг учун қўрбошининг бояги шубҳаси яна кучайди. А. Қодрий, Утган кунлар. Анна Ивановнанинг шубҳаси тонгеи тумандек тарқала бошлади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Қўнглини ... шубҳалар, совуқ ваҳималар қоплаб, ўзини беҳол сездди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ироданиз ёв тақдири қилади барбод. Шубҳа йўққим, ёв қадами топажак барҳам. Ғайратий. Саидийни чуқур шубҳа босди. А. Қаҳҳор, Сароб. Эргаш топиб келган «хабар» Элмуродни ўйлантириб қўйди: Бобоҳўжа домлага ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди. П. Турсун, Уқитувчи. Бевозтадир элимиз, Юртимизга кирган ёв, Шубҳа қиламиз дарҳол, Бемаҳал юрса биров. Ҳ. Олимжон. — Арқон керак, — деди Саид. Баъзилар нимадандир шубҳа қилиб бир-бирларига қарайди. Лекин йўлдош унинг режасини тушунган эди. А. Мухтор, Чинор. [Тожибой Холисхонга:]

Мен ўзингни таниб турсам ҳам, ичингдан шубҳада қолдим. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ШУБҲАЛАНМОҚ Шубҳа қилмоқ, гумонсирармоқ; иккиланмоқ; ишончсизлик билан қарамоқ. Қимдан шубҳаланасан? — Сўфи ҳам домла-имон менадан шубҳаланиб, бир неча марта ер остидан кўз қирини ташлаб, хўмайиб қарадилар. Ғ. Ғулом, Шум бола. Йигитлар .. уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асрор ота бу жувоннинг оддий тракторчиёгина эканига шубҳаланиб қолди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. [Майсара:] Озгинам бўлса-да шубҳаланмасин, дейман-да. Ҳамза, Майсаранинг иши.

ШУБҲАЛАНТИРМОҚ шубҳаланмоқ фл. орт. н. Унинг келмай қолиши мени шубҳалантирди. — Тургеневда ҳам, Чернецовда ҳам уни айблаш учун асос йўқ эди, аммо Отступининг галдираши уларни шубҳалантириб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШУБҲАЛИ I Шубҳа туғдирадиган; гумон қилиш мумкин бўлган. Шубҳали ҳаракат. — Алиқулнинг шубҳали ишлар билан банд эканлигини сеза бошладилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Шубҳа ифодаланган, шубҳа туғдирадиган. Тўтибу Адолатга қараб, шубҳали овоз билан давом этди: — Назаримда бир гап борга ўхшайди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 Ишониб бўлмайдиган. Шубҳали хабар. Шубҳали шахс. — [Бадрий:] Қўмитамизнинг Фарғона шубҳаси уч нафар шубҳали аъзоларини сирли ўчоқда йўқ қилиб юборгани ҳақида маълумот бор. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. || — Қачон келдинг! Бу қандай гап? — ҳаяжон билан сўзлади Ермат ва Йўлчига жипс тўқнашиб, шубҳали тикилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ШУБҲАСИЗ I Ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган; аниқ. Ўзбекистон расомлари эришган муваффақиятлар шубҳасиз. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 219.

2 кириш с. Муҳаррар равишда, албатта, сўзсиз. Шубҳасиз, у ҳақ. План, шубҳасиз, бажарилади. — Мен биринчи навбатда тарбияни улардан [ота-онамдан] олганман ва уларнинг хислат ва хусусиятлари, шубҳасиз, менга таъсир қилган. Айний, Эсдаликлар. Қўшигимга илҳом берган қиз, Олам-олам ҳайдаб кетди ер. Қим кўрса ҳам уни, шубҳасиз, Пахтазорнинг қаҳрамони дер. Т. Тўла.

ШУБҲАЧИ Шубҳа қилувчи, гумон қилувчи; ишончсизлик билан қаровчи. Мен тўғриси, шубҳачиман. Ҳар нарсанда, ҳар ҳодисанда бир иллат кўраман. Ойбек, Нур қидириб.

ШУБҲА-ШИКВА: шубҳа-шиква қилмоқ (ёки этмоқ) бировдан шубҳаланиб ёки гумонсираб шикоят қилмоқ. — Мен Ҳайдархўжанинг сиздан шубҳа-шиква этиб ошкор айтган сўзини эшитмайдим. Аммо негадир у мени ўз ёнига тортишига уринди..., —

деди Фарҳод муфтига. А. Ҳакимов, Илон изидан.

ШУВ тақл. с. Бўғиқ шипилловчи товуш ҳақида. Шув этмоқ. Девордан шув этиб тупроқ тушиди. — Бирдан ҳамма шув этиб қўзғалди. А. Қодрий, Мехробдан чаён. Ҳалиги йигит мени мўлжалга олган эди, чап бериб қолдим. Бир копкоқ ёнимдан шув этиб ўтиб кетди. З. Дўсмагов, Ёқут.

◆ Юраги шув этиб кетди юраги орқасига тортиб кетди; қаттиқ қўрқди. — Назира! — деди кимдир тўсатдан. Назира овозни дарров таниди, таниди-ю, юраги шув этиб кетди, турган жойида қотиб қолди. Ҳ. Умарбеков, Ширинсой оқшомлари.

ШУВАЛМОҚ шувамоқ фл. мажх. н. Ёзда шувалган том. — [Муллаўст ўз-ўзига:] Бетларимиз тиришди, бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига киришди. Ҳамза, Майсаранинг иши.

ШУВАМОҚ айн. сувамоқ. Андава билан шувамоқ. — Обиджонинг .. яна бир кунни тоқчаларни шуваб ташлаймиз деб ўртоқларини бошлаб келипти. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

ШУВАТМОҚ шувамоқ фл. орт. н. Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда дераза ҳам қурсин, оқлатсин ҳам, тоқча жиница ёқмаса, шуватиб ташлай қолсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

ШУВИЛЛАМОҚ «Шув, шув» этган товуш чиқармоқ; шовулламоқ, шув этмоқ. Ерўла атрофидан зах тупроқ шувиллаб тўкилди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Табиат ўз тилда роз айтиб шувиллар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўйда булутлар қўюқлаша бошлаб, майда ёмғир томчилари барларни шилдира-тиб, шувиллаб бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ Юраги шувиллаб кетди айн. юраги шув этиб кетди қ. шув.

ШУВИЛЛАТМОҚ шувилламоқ фл. орт. н.

ШУВОҚ I Майда оқиш баргли, ўзига хос хидли кўп йиллик ёввойи ўсимлик. Қатортолдан тушиб, кенг чўлга чиқши биланоқ онда-сонда шувовқ кўжарган қаттиқ ва тошлоқ ерлар босиб ўтиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ШУВОҚ II диал. Сувоқ. Деворни қора шувовқдан чиқармоқ. Томни шувовқ қилмоқ. — Малоҳат музикага маҳли бўлиб турган кезде, ер яна тебранди. Синчлар қарсиллаб кетди, шувовқлар дуз тўкилди, ҳовлини чанг қоплади. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ШУВОҚЗОР Шувовқ ўсган жой ёки майдон.

ШУВОҚЧИ айн. сувоқчи. ШУВУТ: юзи шувут қилмиши, айби туфайли бошқаларга кўринолмайдиган, уятга қолган, хижолатли. Алдамчининг юзи шувут, рози бўлмас ундан элт-юрт. Мақол. — Бригадир-



нинг юзи шувут бўлиб, тили калимага келмай турганда, Қарим кўзига чалинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қим юзи шувут бўлишини истайди, дейсиз. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар. Пахтанинг меҳнати зўр, жимматимиз ундан зўр. Қондош эллар олдидан юзи шувут эмасиз. Ғ. Ғулум.

**ШУВУТЛИК:** юзи шувутлик қилмиши, айби туфайли бошқаларга кўрина олмаслик, шамгинлик, хижолатли вазият. Улар қанчалик қуёндек қўрқоқлик ва чаққонлик билан қочган бўлсалар, шунчалик маъносилик ва юзи шувутлик билан қайтиб келмоқдалар. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ШУД** [ф-т] Қишидаги бирор ишни удалай олиш қобилияти; лаёқат. Шуди бор йигит. Унинг ҳеч нарсага шуди йўқ. — [Султонмурод] бир йил шидайёқ чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириб қўйди. Йигитга, шуд бўлса ўргатишга ҳоҳлат қолмайди. А. Мадумаров, М. Ғиёсов, Гултепа.

**ШУДГОР** [ф-т] 1 Ҳайдалган, чопилган ер. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур. Мақол. — Ноз уйқусидан уйғониб, оқ олтинни эслаб, Қўк сабза кийиб, шудгору саҳро безанибдур. Ҳабибий. Қора шудгор с. т. кузда ҳайдалган, аммо экин экмай ташлаб қўйилган ер.

2 Ҳайдаш, чопиш. Қузги шудгор. Шудгор қилмоқ. Деҳқон бўлсанг, шудгор қил, мулла бўлсанг, такрор қил. Мақол.

**ШУДГОРЛАМОҚ** Экин майдонини, далани ҳайдаб, чопиб қўймоқ (асосан кузда). Қолхоз экин майдонини шудгорлаб тугатди.

**ШУДГОРЛАНМОҚ** шудгорламоқ фл. мажж. н. Колхознинг ҳамма ери шудгорланди.

**ШУДЛИ** Қўлидан иш келадиган; удабуру, моҳир; қобилиятли. Шудли йигит. — Баъзи ўтти-шудли студентлар эса уни «писиқ» дейишарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШУДРИНГ** айн. шабнам. Эртасига офтоб гўё тонг шудрингидан ювиниб, кечаги чанг-тўзондан тозаланиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой. Баргларга шудринг инган, Ҳаво қимиздай тинган. С. Акбарий.

**ШУДСИЗ** Қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган; нўноқ, ношуд. Шудсиз одам.

**ШУЙТИБ** диал. Шундай қилиб. Шуйтиб сен ҳам ботир бўлган, Сендай аҳмоқ бунда келган, Суякларинг қилай яқсон, Қўрқмасанг кел бери томон. «Ширин билан Шакар». Яхши шуйтиб гапни ўйлар, Ҳар гапини билиб сўйлар. «Эрали ва Шерали».

**ШУКР** [а] айн. шукур 1.

**ШУКРОНА** [а + ф-т] Бирор нарсага эришганлик, етишганлик эвазига билдириладиган мамнуния, хурсандлик; миннатдорчилик, ташаккур. Эртасига кампир бу севинч-қувончларнинг шукронасига хотин-халажни йиғиб, «мушуклуқшод» ўқиттирди. Ғай-

ратий, Довдираш.— Нурли тақдир, туганмас бахт, умрбод шодиёналик бахи этган халқимизга, партиямизга, доҳий Ленинга таъзим ва шукронамизни изҳор этамиз! — деди Сара опа. А. Юсупов, Чинор ва нихол.

**ШУКРОНАЛИК** шукрона с. маъ. от. Ҳаёт шохлар орасида нигорон бўлиб ўтирган ёрники кўрди-ю, қалбидан оғир чўккан дардлари тарқалгандай, шукроналик билан жимлайди. М. Исмоилй, Фарғона т. о.

**ШУКУР** [а] 1 унд. с. Бирор нарсадан мамнуликни, миннатдорчиликни ифодалаб, «ташаккур», «рахмат», «миннатдорман», «розиман» каби маъноларда қўлланади. Шунга ҳам шукур.— Соғлигингиз қалай? — Шукур, яхши! — Бор эканмиз минг марта шукур.. дея, она ёйди дастурхон. Ҳ. Пўлат. Шукур қилмоқ тақдирдан, хозирги аҳволидан мамнун, миннатдор бўлмоқ. [Ҳожияна:] Қизим, .. Ҳожиянадай тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Шукур (эркаклар исми).

**ШУКУҲ** [ф-т] кт. Тантана; улғуворлик; шараф, шавкат. Ҳар бир жойда байрам шукуҳи. — Моҳира пазанда, чаққон, саранжомли, режали келин эди. Унинг қутлуғ қадами билан Исоқ ота вақтидаги оиласининг эски шукуҳи қайтиб келгандай бўлди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Уттиз икки баҳор ўтди гулга кўйиб ўлкани, Ҳар бирида минг баҳорнинг шукуҳи бор, ҳусни бор. Уйғун. Қўз илғамас уфқ ҳам, .. дала-қўр ҳам бугун [Латофатнинг] назарида тамоман ўзга шукуҳ, ўзгача бир нафосат кашф этгандек эди. С. Қароматов, Ҳижрон.

**ШУКУҲЛИ** Шукуҳга эга, улғувор; шарафли, шавкатли. Ҳа, шукуҳли, руҳли тезислар Ҳудди қалбим қадар азизлар. Шайхзода. Ҳар гал довол ошганимизда кўз олдимизда бахтли ҳаёт, шукуҳли меҳнат ва янги ижодларнинг кенг уфқлари очилади. Ҳ. Ғулум, Сиз коммунизм қурасиз. | Қишига завқ-шавқ бағишлайдиган; гўзал, ажойиб. Нақадар шукуҳли дала йўллари.. яхлит-яхлит пахта пайкаларида тўп-тўп йигит-қизлар, ёш-яланг, хотин-халаж. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

**ШУЛ** эск. кт. айн шу. Шул эрур айбим, Муқимий, мاردуми Фарғонаман. Муқимий. — Адолатингиздан бизнинг талабимиз шу! — деди [Отбек] ва қўрбошига қаради. А. Қодирй, Утган кунлар.

**ШУЛОН** Қамбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат. Шулон шўрва. Шулон пиширмоқ, Шулон тарқатмоқ. — Қорин кўп оч, На гўжа бор, шулон шўрва Ва на умоч. Ғ. Ғулум.

**ШУЛҲА** [р шелуха] Мағзи ажратиб олинган чигит, чигит пўчоғи. Сигирга шулҳа бермоқ. Шулҳа қопламоқ.

**ШУМ** [а] 1 Ёмон фикрдаги; нияти бузуқ; ёмон, ярамас. Кеча шом вақтида бизникига иккита шум йигит келди. Танийман. Ҳўжайин ҳалғимларни меҳмонхонага киреизиб, эшикларни тақа-тақ ёнди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳушёр туриб, адашмай, Ҳар шарпани сезман. Душман қаршилик қилса, Шум бошини эзман. Уйғун. || [Гуландом:] Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не балоларга гирифторм бўлдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бахтсизлик ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи. Шум бўрондан чайқалди денгиз, Қўк ҳам аста томчи ташлади. Э. Қамбаров. [Ҳосият:] Қизим, жоним болам, кўрқитма зинҳор. [Гули:] Нейтай шум толеим гар айласа хор. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

3 Қўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган; айёр, макдор, қув, қилвир. Шум кампир. — Ҳа, бу жуда пихи қайрилган шум халфа, — деди Давлатёр ва Турдивой халфанинг кирдикорини гапириб берди. П. Турсун, Ўқитувчи. Султонов жуда ҳушёр ва шум эдики, шамол қай томондан келаётганини дарҳол билиб, вазиятга қараб товла нарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Ярамас қилиқлар қиладиган, ўта шўх, тўполончи. Халиш шум йигит: жуда гап тополмасанг, бармоғингни мана бундай бизиз қил-да «кўзингга қўлимни тиқиб олайми?» дегин, кейин қиз кулиб юборади. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Шум оёқ (ёки қадам) пойқадами бирор шикастликка, ёмонликка сабаб бўлувчи фалокат, бахтсизлик келтирувчи. Гул, райхона тўлган қирғоғинг Шум оёқлар макони бўлди. Фашист деган одамхўр жаллод Соҳилингдан жой олди, тўлди. Ғайратий.— Бир марта шаҳардан сизга ўхшаган бир йигит келиб, қишлоқдаги шум қадамларни тўплаб, мажлис қилган эди, — деди мингбоши. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Шум хабар кишини гоят хафа қиладиган, жуда қайғули хабар. Собиржон бу аҳволни кўрган кўзларига, бу шум хабарни эшитган қулоқларига сира ишонгани келмасди. С. Шамсиев, Сепсиз келин.

**ШУМЛИК** шум с. белги оти. Унинг [Очил буванинг] кўнгли бир шумликни сезгандай, кекса, ҳоргин юзини бетоқатлик кўланкаси қоплаган эди. А. Мухтор, Чинор. Ўртоқ Умурзоқова, кўриб турибманки, сиз ҳам шумлик қилятирсиз, марҳамат, жавоб беринг, нима мақсад билан келдингиз? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бу саҳройи болалар шумликни билмайди. Ургатиб-ўргатиб иша сола берасиз. П. Турсун, Ўқитувчи. Шумлиги тутмоқ бир ёмон, шум ҳаракат қилгиси келмоқ. Номард табиатнинг шумлиги тутмоқда: булутлар осмонни ўз чо-дирига ўраб келаятир. М. Мирзаев, Тўйбошилар.

**ШУМТАКА** Ниҳоятда шўх, тўполончи бола. Аравакаш .. хилчин билан ўқталгангича шовқин солади: Шумтакалар, йўқол ҳамманг! Ойбек, Болалик. [Хотин:] «Ёшларга она боши» бўлармишман, ўргатармишман. Қошки биродан ўрганса бу шумтакалар. Х. Назир, Олмос.

**ШУМТОЛ** Ёгоч қаттиқ, барги патга ўхшаш дарахт. Урмон зоналарида чинор, заранг, шумтол, оқ қайин, дўлана учрайди. М. Мусаев, Ўзбекистон ССР.

**ШУМУРТ** Гули оқ, хушбўй бута ва унинг қора, нордон меваси.

**ШУМШАЙШМОҚ** шумшаймоқ фл. бирг. н. Нега шумшайишиб ўтирибсизлар?

**ШУМШАЙМОҚ 1** Томири тортишгандек ёки тиришгандек жунакан бўлмоқ, бўйинни чичга тортмоқ; жунжикмоқ. [Мингбошининг] ҳамма вақт сосулада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кирайди, нортундек новча бўйи пасайди, ўзи эса совуқда қолган етим боладек шумшайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Степан болани кўтариб тепага чиққанда, ярим яланғоч, шалаббо, совуқдан шумшайган, ҳолдан тайган одамларни кўрди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Бирор нарсдан хафа бўлиб, қовоғини солмоқ, тўрсаймоқ. Давронов рўпарада шумшайиб турган Ғозиға қараб, унинг кўнглидаги безовталикни сезди. И. Раҳим, Ихлос. | Уялиб ёки тортиниб ўтирмоқ, уялиб турмоқ, тортинмоқ. Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди. Ойбек, Куёш қораймас.

3 *Кўчма* Аянчи аҳволга тушмоқ, ночор ҳолда бўлмоқ.— Энди нима қилиш керак? Тонгега қадар шумшайиб чойхонада ўтиришдан бошқа чора йўқ,— деди Нафиса Турғунбойга. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Дилкашлик қиладиган Ҳафизасиз каттакон ҳовлида «шоми ғарибон» қилиб, калпир бунинг бир ўзи шумшайиб ўтирди. Мирмуҳсин, Умид. | Серраймоқ, қаққаймоқ. Ҳовлилардаги совуқ урганидан қорайиб, илжираб кетган бултурги гуллар қор тагидан шумшайиб бош чиқарди. С. Анорбоев, Оқсой. Баргини тўқиб, шумшайиб қолган чилон жийда тагида [Шербек билан Нигора] узоқ туришди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ШУМШУК** Қилмиши, ёмон хатти-ҳаракати билан кишига хунук кўриниб қолган, нафрат кўзга тадиган. Мендан ҳечким хабар олмай қўйди. Ҳаммага шумшук кўриниб қолдим. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда. Вали бултур чўлдан берухсат жунагани, тўғрирогои қочворани маълум бўлач, таниш-билишлари олдидан шумшук бўлиб, ўз районига сиғмай қолган. Х. Назир, Утлар туташганда. Тўнсиз қарахт бўлиб келган Муқимий қайнана кўзига жуда шумшук кўринган эди. С. Абдулла, Мавлово Муқимий. Уша

ёқда [чўл томонда] кўзга фақат .. гирдоблару, шумшук қумтепалар ташлангани. И. Шамшаров, Ошиқлар. || — Э, шумшук: «Домла-имом оч қолса, бозор кезади, сўфи оч қолса, мазор кезади»,— деган мақолни эшитганмисан? — деди мулла Мамасолиҳ Худ-худ сўфига. Н. Мақсудий, Лайлатулжадр.

**ШУМШУКЛИК** шумшук с. белги оти. Онасиз етим — шум етим, деганларидек; Умид шумшуклик ҳақоратини ўбдон тотган етим эди. Мирмуҳсин, Умид.

**ШУМҒИЯ 1** бот. Бошқа экинлар илдиздан озикланадиган текинхўр ёввойи ўт. Дўстим, нафсни ўз ҳолига қўярсанг худди шумғияга ўхшаб тез ўсиб кетар экан. Муштум, 1961 № 21.

2 *Кўчма* Ўз манфаатини кўзлаб, давлат ва жамият манфаатига зарар келтирувчи шахс; зарарқунанда. Йўқ, бўл, наҳслар, шумғиялар! Ҳамза. Район партия комитетларининг бюро аъзолари, биринчи навбатда, райком секретари гулистонимиздаги бу шумғияни [раисни] томири билан кўпориб ташлаш учун колхозчиларга ердан беришлари керак. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ШУНАҚА** с. т. Шундай. Шунақа гаплар. Шунақа вақтда. — Киприк ҳам шунақа узун бўладими? С. Ахмад, Лаъли Бадахшон. Шунақа, Тўлаган ака, душман отан тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ШУНАҚАНГИ** с. т. Шундай. Қишлоқда шунақангачи чиройли қизлар кўп. — Мажлис аъзолари шунақангачи бир-бировидан ўтоқ малаклар, парилар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШУНАҚАСИ** с. т. 1 Шунга ўхшаган, мана шу каби; шундай. Қаламининг шунақаси топилди.

2 Ўша йўлдан, ўша томондан; йўл-йўлақай. Шунақаси уйга кетамиз. Шунақаси магазинга ҳам кирдик.

3 Шу тариқа, шу йўсунда. Сарахон шу кун кечқурун ҳам чиқмади ва шунақаси уч кун йўқ бўлиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ШУНГ** айн. шумтол. Шунг барги.

**ШУНДАЙ 1** кўрс. олми Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, шунга ўхшаш, шу сингари. Шундай дўст қаерда бор? Шундай вақт келади. Ҳақиқатан шундай бўлиб қиқди. Мен ҳам ёшигимда шундай эдим. || Қаламининг шундайларидан утасини танаб олдим. — Қалай? — деди Сулаймонов трубкани қўйиб,— умринишда шундай қаймоқ, еганмисиз? А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. Унда [Ғулможонда] шундай нафратнинг туғилиши табиий эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу ишлар ичида шундайлари ҳам борки, шошилинч қилинмаса, бошқа ишга ҳам таъсир қилиши тайин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Шу қадар, шунчалик, бунчалик. У шундай тез юрак

эдики .. У ҳеч қачон шундай аҳволга тушмаган эди. — Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади. Ойбек, Қутлуг қон. Бўғинлари бўртиб турган узун бармоқларини тўғун қилиб, пиджагининг чўнтагига шундай қаттиқ тикдикки, чоклари чирсиллаб кетди. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *рөш* Айтилган ёки кўзда тутилган бир тартибда, шу зайлда, ана шу тарзда. Шундай бўлса ҳам. Шундай эмасми? Хўжаликни шундай бошқариш керак. Сиз ҳам шундай ишлангиз бўлмайди? — Ҳакимбойваччадек хушёр йигит қайда?.. Боёнларимизнинг бари хушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да. Шундай эмасми, Салимжон? Ойбек, Қутлуг қон. Шундай қилиб ёз ҳам ўтди. Ниҳоят Аҳмаджон аскарый хизматга қақирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Шундай бўлса ҳам шунга қарамай. У касал эди, шундай бўлса ҳам ишга келди. | Қуйдагича, тубандагича. Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса — шунинг онаси, энди туғилса — шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса — шу хотиннинг ўзи. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

3 *рөш*, с. т. Одатдаги каби, одатдаги сингари, одатдагидек; оддий усулда. Ўзимиз шундай гаплашиб ўтирган эдик. — Вагондан энг кейин тушган ва милтигини тиғидан ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб шошмасдан келётган Аҳмаджон: Строй бўлмасдан шундай кетаверсак бўлмасмикан? — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Тасдиқловчи жавоб тарзида қўлланиб, «ҳа», «калбатга», «тўғри» каби маъноларни ифодалайди.— Врачмисиз? — Шундай. — [Эшон:] Катталарни-чи, катталарни ҳам ўқитасизми? — Шундай,— деб жавоб берди Элмурод. П. Турсунов, Ўқитувчи.

**ШУНДАЙИН** диал. Шундай. Ўлжа бўлиб кетти шундайин тулпор, Учар қушдан ўтар эди жонивор. «Муродхон».

**ШУНДАЙИЧА** Қандай бўлса, худди ўша ҳолатда, ўзгармасдан, ўзгартирилмасдан. Аҳмаджон бир сакраб [фашистни] бўйнидан сиқиб олди ва шундайича судраб пастга олиб тушди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ШУНДАЙЛИГИЧА** айн. шундайича.

**ШУНДОҚ** с. т. Шундай. Шундоқ қилиш керак. — Қанақа уруш бўлганми ўзи? Қачонгача шундоқ давом этади? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШУНИНГДЕК 1** Шунга ўхшаш, шу каби, шу сингари. Халқ шунингдек гаплар билан юз ёқдан.. ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан ҳам сўқар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *кириш* с. Бундан ташқари, бунинг устига, шу билан бир қаторда. У довурак, шунингдек биримдон киши эди. — Шунингдек, раис мажлиси олиб

боришда ҳам кўпчиликка ҳурматсизлик қилди .. — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳўтувчи.

**ШУНЧА** 1 рвш Шу қадар, шунчалик, шу даражада. Шарият хотинни қаттиқ тутуши керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қолишингизни пойлайди. А. Қаххор, Майиз емаган хотин. Ватан агар бўлса бир чаман, Сиз қўйида хандон гунчалар; Ай, сиз, менинг кичик дўстларим, Ватанингиз севар шунчалар. З. Дийр.

2 белг. олми Шу қадар кўп, кўп миқдорда, анча. Бир зумда шунча одам йиғилди. Дарров шунча йил ўтиб кетпти. Шунча ўйласам ҳам эсимга келмади. Шунча вақтдан буён қаерда эдинг? — [Ғофир:] Шунча қарзим бор эканми? Мен бунни қандай узаман, бой ота? Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Шу миқдордаги. Шунча иш қачон тугайди? Шунча гапни қаердан топасан?

**ШУНЧАЙИКИ** с. т. Шунчаки. Саидий гарчи бу сўроқни шунчаики берган бўлса ҳам, Муҳаммадражабнинг жавобидан қаноатланмади. А. Қаххор, Сароб.

**ШУНЧАЙИН** с. т. Шунчаки.

**ШУНЧАКИ** 1 рвш Жиддий эмас, юзакигина; эрмакка. У фотография билан шунчаки шуғулланади. — Хафа бўлманг тагин, шунчаки айтаётирман-да. А. Қаххор, Сароб. Омон мени эски кеки юзасидан алдаган экан, мен уни шунчаки қизиқчилик қилиб алдаган эдим. Ғ. Фулом, Шум бола.

2 Катта аҳамиятга эга бўлмаган, арзimas; оддий: Шунчаки гап. У шунчаки бир ашулачи эди. — Улар шунчаки актёргина эмас, балки .. вазият талаб қилса, душман билан юзма-юз олишадиган жангчи ҳам эдилар. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Ҳа, шунчаки қақалоқ эмас, Башар кутган иқбол тугилди, Ленин номи бахт-ла чамбарчас Она суги билан йўғрилди. Ё. Мирза.

**ШУНЧАЛИК** 1 Шу қадар, шу даражада; шунча. Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Асқар ота аввал қўрқди, кейин, жувоннинг от чопишини кўриб шунчалик завоқ келдики, отига устма-уст қамчи урганини ўзи ҳам сезмай қолди. А. Қаххор, Хотинлар. [Қодиркул:] Ажаб одамиз-да, домла! Битта савил бошни йўқ қилмоқ шунчалик мушкул эканми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Бирор мақсадни кўзда тутмаган ҳолда; бирор жиддий сабабсиз; шундайгина, ўзича. Лекин буларни шунчалик айтиб қўйдимда. Олдин қилганидан бошқа иш бор. Ойбек, Қутлуғ қон. Гулсум Элмуроддан хафа эмаслигини, шунчалик ўзининг хўрлиги келиб йиғлаганини билдириши учун қайтиб кирди. П. Турсун, Ҳўтувчи.

3 айн. шунчаки 2. Шунчалик гап экан, ўзини ҳам диққат қилиб, хиз-

матчиларини ҳам ортиқ бўғмаса. С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров. Бу оддий, шунчалик бир музей эмас, Барҳайт Ленинга ишхонадир бу, Мангу буюкликдан нишонадир бу. Ж. Жабборов.

**ШУНҚОР** 1 Лочинсимонлар оила-сига мансуб кучли йиртқич қуш. Икки шунқор талаиса, бир қаргага ем тушар. Мақол. — Шунқор қанча баланд учмасин, барибир ўз уясига қайтади. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Мардлик намунасини кўрсатиб ишлайдиган кимса, пахлавон, ботир ҳақида. Дала шунқорлари бу ерга [клубга] кино кўриши, янгилликлар билан танишиши учун тўпланганлар. Э. Охунова, Файзли оқшомлар. Палаткада сизга таниш бўлган чўлқувар шунқорлар истиқомат қилади. В. Абдуллаев, Қанотли орзулар. | Қахрамон учувчи ҳақида. Шоирлар ўзининг Шоҳ мисрасини Бағишлар Гастелло — Эл шунқорига. С. Акбарий. Шунқорлар жангчилар тепасида меҳроблик билан марсур айландилар. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ШУРУП** [р < нем] Ёғоч ёки металл деталларни маҳкамлаш учун ишлатиладиган бўрама мих. Шурупни бураб киритмоқ.

**ШУРУЪ** [а]: шуруъ қилмоқ эск. кт. бирор нарсага киришмоқ; бирор нарсани қила бошламоқ. Мулла Абдураҳмон бутун камолотини ишга қўйиб, ижмат ва хатибликка шуруъ қилди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ШУУР** [а] кт. Онг, тушунча. Шоирларда зехн ва шуур ўткир, хаёл денгизи эса теран бўлади. А. Ҳакимов, Илон издан. Майли, ўтмиш йн йил менга Шуур берди, онг берди. Ғ. Фулом. Менинг шуури эса зиддиятлар осмонда кезар. С. Азимов, Қамалак.

**ШУУРИЙ** [а] кт. Шуурга, онгга оид, онг билан боғли. Шуурий равишда. Ғайри шуурий айн. ғайришуурий. Умарали, хаёли дарсида, бир бурда нонини ғайри шуурий равишда ишиннига ботириб ея бошлади. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШУУРЛИ** 1 кт. Маълум тушунчани ўзда мужассамлаштирган; онгли. Ҳақиқатан ҳам Зебо шуурли, жўйшқин юракли бўлиб етишди. Р. Ҳалилова, Ушалган орзу. Энг иродали, мақсади аниқ кишилар .. нури, шуурли жаҳон барпо этдилар. Зуффия, Чўққилар.

2 юр. Ақли расо, эсли (ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бера оладиган).

**ШУУРСИЗ** кт. 1 Онгсиз ҳолда, ғайришуурий. Йигит тафаккурдан талом ажралиб, отга шуурсиз мўлтираб турар, тўриқ эса ер тепинар эди. А. Ҳасанов, Чироқлар. Навоий индасдан орқага қайтди. Бошқа хонага кириб, қоғоз ва қалам олди-да, шуурсиз равишда фармон еза бошлади. Ойбек, Навоий.

2 юр. Ақлдан озган, руҳий касал

(қилган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайдиган).

**ШУУРСИЗЛИК** юр. Айбдорни жиний масъулиятдан халос қиладиган руҳий ҳолат. Шуурсизлик ҳолатида бўлмоқ.

**ШУ-ШУ** Ўша вақтдан бери, ўшандан бери. Шу-шу у келмайди. Шу-шу тавба қилганман. Шу-шу соғайиб кетдим.

**ШУЪБА** [а] 1 эск. Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир қисми, бўлими; идора. 1919 йилдан бошлаб Тошкент мусулмон хотин-қизлар шуъбасига раис бўлиб ишладим. З. Юсупова, Оловли йиллар. Шаҳар маориф шуъбасининг вакили шу қўрани келиб кўриб, мактаб учун жуда мос деб кетибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 муз. Шашмақом таркибига кирувчи олти мақомдаги ҳар бир бўлимнинг номи.

**ШУЪЛА** [а] 1 Бирор жисмдан тараладиган нури энергия, ёруғлик, нур. Ой шуъласи. Хатни чироқ шуъласида ўқимоқ. — Аммо офтобнинг ўткир шуъласи Қўқсингни парчалаб ёрди беомон. Тарихнинг музаффар, нури йўлидан Додил бормоқдалар наслимиз ҳамон. Уйғун. Ёнғин шуъласида қизғини тус олган чанг ва тутун ичида қўланкадай югуриб кетаётган ким? А. Қаххор, Олтин юлдуз. Шоҳ ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ювуллаётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда. П. Турсун, Ҳўтувчи. | Силлиқ ва ялтироқ предмет сиртидан қайтган, қайта сочилган нур, нур акси. Боланинг қўлидаги кўзудан қайтган қуёш шуъласи деворда ўйнайди. — Жўрақоннинг кўпчиликка таниш, иссиқ юзи ҳаяжондан, столдаги тиниқ алвон шуъласидан қизариб товланар, дераза томон бурилганида сал терлаган кенг манглейи ялтираб кетар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Лағлининг бўйнидаги қатор-қатор дурлар, марваридлар тизмаси кўзуга тушиб турган қизғини шуълада ярқ-ярқ товланади. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 айн. аланга. Спирт лампа шуъласи. — Онда-сонда милтиқ овози эшитилиб, ракета шуъласи кўрингандан кейин, Нормат фронтда эканини, .. сездим. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ШУЪЛАЛАНМОҚ** поэт. Шуъла, нур таратмоқ. | Ярқирамоқ, барқ урмоқ. **ШУЪЛАЛАНТИРМОҚ** шуълаланмоқ фл. орт. н. Муаззам беш йиллик жилвалантирар Мардларнинг меҳнатга зўр муҳаббатин; Партия даҳоси шуълалантирар Қаҳрамон халқимнинг зўр маҳоратин. Ҳ. Расул.

**ШУҒУЛЛАНМОҚ** Бирор иш билан машғул бўлмоқ; бирор иш қилмоқ. Гимнастика билан шуғулланмоқ. У энди музыка билан шуғуллана бошлади. Студентлар билан шуғулланмоқ. — Ниҳоят, [Мирзакаримбой] орқасини ёстиқдан узиб, муҳим савдо иши билан шуғулланган каби, жиддий равишда гапириб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мен

бойвачча бўлиб ўганим, бузуқлик билан шуғулланганим, бузилганим йўқ. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йингит.

**ШУҒУЛАНТИРМОҚ** шуғуланмоқ фл. орт. н.

**ШУҲРАТ** [а] 1 Халқ олдида катта хизмат, талант, куч ва ш. к. эвазига қозониладиган обрў; донг, довруқ. Бу артистнинг шуҳрати оламга кетган. Донога иш — шону шуҳрат, нодонга иш — гаму кулфат. Мақол. — Қаҳрамон халқ шуҳрати оламга дoston бўлғуси, Тинч ҳаёт яшаб яна турмуш фаровон бўлғуси. А. Пўлат. Уттиз беш ёшдаги Барот полвон ўзининг ҳеч кимда йўқ кучи, ажойиб ва қалтис ҳунари билан шуҳрат чўққисиди туриб, Мадумарни ўз қўлланкасида қолдириб келарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Маишхур қизиқчи халқ орасида шуҳрат қозона бошлаган ёш Юсуфжонни кўрмоқчи бўлиб, унга одам юборади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | Яхшилик, афзаллик; мақтов, донг. Завод кейинги беш йилликлар даврида катта шуҳрат қозонди. — Пахтамининг шуҳрати, Бутун оламга маишхур. «Кўшиқлар».

2 Шуҳрат (эркаклар исми).

**ШУҲРАТЛАМОҚ** Ҳурматлаб, мақтаб кўкларга кўтармоқ; эъзоламоқ. Кўкрагида ардоқлаган Россия сени! Ҳурматлаган, шуҳратлаган Партия сени! Ё. Мирза.

**ШУҲРАТЛАНМОҚ** Танилмоқ, машхур бўлмоқ, ном чиқармоқ. Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шуҳрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШУҲРАТЛИ** Шуҳрат қозонган, шуҳрат топган, танилган; донгдор. Олтин пахта ифтихоринг, Шуҳратлидир пахтакоринг. Ё. Мирза. Инсон ўз меҳнати, ўз ишлари, ўзи яратган нарсалари билан ёғул ва шуҳратлидир. М. Ҳакимов, Қўли гул, қалби булбул одамлар.

**ШУҲРАТПАРАСТ** [а + ф-т] Халққа дарров танилишга, шуҳрат қозонишга тиришадиган, ўз хизматининг афзаллигини бўрттириб кўрсатишга интиладиган; манман, мақтанчоқ. Сиз билан бизнинг вазирамиз .. ивгозар, шуҳратпараст, мансабпараст шахсларни супуриб ташлашдан иборат. О. Ёқубов, Ларза. Қалтабин, .. шуҳратпараст кўрқоқлар хиёнатга яқин туради. Шуҳрат, Шинелли йиллар. || [Жалолиддин:] У шуҳратпарастни [Ёдгорни] қалъадан қувиб чиқармоқ лозим. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ШУҲРАТПАРАСТЛИК** шуҳратпараст с. мавҳ. от. Мени безовта қилаётган нарсани сизнинг шуҳратингиз эмас, балки шуҳратпарастлигингиз. Уйғун, Сўнги пушаймон. Бу биоларни [мадрасаларни] ўтмишидаги ҳукмдорлар ва бойлар .. шуҳратпарастлик мақсади билан қуриб «худо йўлига» вақф қилган эдилар. Айний, Эсдалиқлар.

**ШЧИ** [р ши] Қарам, шовул каби кў-

катлар солиб пишириладиган суюқ шўрва. Шчи пиширмоқ. Шчи ичмоқ. **ШЧИТ** [р шит] 1 Бирор зарба, отилган ўқ, учкун ва ш. к.дан сақланиш учун металлдан қилинган ёки бирор қуролга ўрнатилган тўсиқ; химоя қалқони. Замбарак ичити. — Аҳмаджон пулемётнинг қабзасини маҳкам ушлаган ҳолда ичитининг тешигидан душманни кузатар, афтидан шеригининг сўзини эшитмас эди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Энгига комбинезон кийиб, қўлига электросварка ичитини ушлаб турган [Самад аканинг] юзи менга жуда таниш эди. С. Аҳмад, Иқбол чироқлари.

2 тех. Гидротехника иншоотларида: тўғоннинг сув ўтказадиган, сурилиб очиладиган ёки ёпиладиган темир дарвозаси. Энергетика ва автоматика институтини ходимлари .. каналлардаги сув сатҳи ва ўтаётган сув сатҳи ва ўтаётган сув микдорини, ичит ва затворларнинг ҳолатини автоматик аниқловчи .. асбоблар яратди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 160.

3 Намойиш қилиш учун бирор экспонат ўрнатилган ёки сурат солинган катта юпқа тахта. Еш ишчилар. «Правда» газетасининг саҳифаси тасвирланган катта ичитни кўтариб олишган. «С. Ўзбекистон», 1967, 8 ноябрь.

4 махс. Бирор асбоб ёки нарсани ўрнатилган тахта. Электр сўтчиининг ичити. Ут йириувчи асбоблар ичити.

**ШҲЛП** тақл. с. Оғир нарсани суюқликка тушганда, ташланганда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Боланинг қўлидаги тош шўлп этиб сувга тушиб кетди. — Бу лаънати каламушлар бочкага шўлп этиб тушади-да, ёққа беланиб олади. С. Маҳкамов, Шоғирд.

**ШҲЛТИ-ШҲРВА** с. т. Шўрва-шўлти. Яхшики Исоқ отанинг боғи бор. Ёзда ўрик-узума оғизлари тегиб туради. Бўлмаса шўлти-шўрва билан оёқ чўзиши мумкин. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ШҲЛҚ** тақл. с. Суюқлик ёпиқ идиш ичида чайқалганда ҳосил бўладиган товуш ҳақида.

**ШҲЛҚИЛЛАМОҚ** «Шўлқ-шўлқ» қилмоқ; шилқилламоқ.

**ШҲЛҚИЛЛАТМОҚ** шўлқилламоқ фл. орт. н. У [Бектемир], ярим белдан сув кечиб, сўқина-сўқина қирғоққа чиқди-да, этикларини шўлқиллатиб, тепаликка тирмаиди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ШҲЛҚ-ШҲЛҚ** шўлқ с. тақр.

**ШҲНҒИМОҚ** 1 Сув ёки бошқа бир суюқлик ичига кириб ботиб кетмоқ; чўймоқ. Бир шўнғиб чиқмоқ. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди. Мақол. — Сувожон тол тағидаги камарга шўнғиб .. кетарди-да, анчадан кейин қўлида балиқ билан чиқиб келарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ундаги [ҳовуздаги] зогора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб, ташланган нонларни ер,

гоҳ билтанглаб ўйнаб шўнғиб кетарди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Суюқлик ичига ботиб яна чиқмоқ; чўкиб чиқмоқ. Кичик шаршарақда юқоридан оқиб келган олма, тоғолчалар шўнғиб-шўнғиб ўйнарди. Х. Аҳмад, Қим ҳақ?

2 кўйма Бирор нарсани орасига кириб, беркниб кўздан гоийиб бўлмоқ, кўринмай кетмоқ, кириб кетмоқ; яширинмоқ. Қоронғиликка шўнғимоқ. — Бўрон ва тўс-тўполонда заха еган ой .. орқадан этиб келган тўядек каттакон булут тағида шўнғийди. С. Анорбоев, Оқсой. Латиф бир сакрашда ерга тушиди-да, олчазорга шўнғийди. О. Ёқубов, Ларза. Аҳмад Ҳусайн .. бозорга шўнғиб кетди. Ойбек, Нур қидириб.

3 Катта тезлик билан пастга қараб отилмоқ, ниҳоятда тезлик билан ерга томон учмоқ. Бугурут бирдан пастга қараб шўнғийди. — Самолётлар қора бўрондай тепада гир айланми, ажалкор қоида ва тартиб билан шўнғийдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Бомбардирмончилар қайтиб кетган, қирувчи самолётлар пайдо бўлди ва бирин-кетин шўнғичанича оқоқлар тепасида пулемётлардан ўт очи бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 кўйма Уй, хаёл, қайғу, ваҳима каби ҳиссиётларга қаттиқ берилмоқ, чўймоқ. Шу чоққача мўлатиб хаёл ичига шўнғиб ўтирган Қумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради. А. Қодирий, Утган кунлар. Ўзимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, алақандай ваҳималарга шўнғийман. Ойдин, Садаган бўлай, командир.

5 кўйма Иш-ҳаракатга, машғулотга қаттиқ киришиб кетмоқ, берилмоқ. Ҳакимжон ҳеч кимнинг сўзи, тақлифини кутиб турмасдан аввалгидек ишга шўнғийди-кетди. С. Зуннунова, Олов. Уртага чамадон қўйиб ўйинга шўнғиб кетдилар. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ШҲНҒИТМОҚ** шўнғимоқ 1, 4, 5 фл. орт. н. Офтоб ойимга бу хат музлик сувга шўнғитиб олиш таъсирини берган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ШҲНҒИШМОҚ** шўнғимоқ фл. бирг. н. Болалар сувга шўнғийди. — Олмалар «мен сендан қоламанми» деб бир-бири билан талашгандай, галмагал шўнғийади. Ойбек, Болалик.

**ШҲП** айн. шўлп. Шўп этиб сувга тушмоқ.

◆ Шўп этиб ўртага тушмоқ бировнинг сўзини бўлмоқ, бировнинг сўзига ўринсиз аралашмоқ.

**ШҲПАЙИШМОҚ** шўппаймоқ фл. бирг. н. Болалар ариқ бўйида шўппайишиб ўтирардилар.

**ШҲПАЙМОҚ** Бошқалардан ажралиб ёлғиз қолмоқ; мунғаймоқ; ўксиб қолмоқ, шумшаймоқ. Шўппайиб ўтирмоқ. — Эртага, икки қўлингизни, кечирасиз, бурнингизга тиқиб, участкада битта ўзингиз шўппайиб қолсангиз нима қиласиз? А. Мухтор, Туғлиғи. Бирга ўқийган синфдошлари аллақачон жой-жойларини топшиган эди.

Қишлоқда ёлғиз Тошхонгина шўппайиб қолди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Етти бола туққанман. Ҳаммасини тўпроққа бериб биргина қўзим билан шўппайиб қолганман.* С. Аҳмад, Чевара.

**ШҮППАЙТИРМОҚ** шўппаймоқ *фл. орт. н. Севаман сизни, лекин ростини айтсам, малайлигингизни ёқтирмайман, бойингизни шўппайтириб ташлаб, сизга тегиб кетардим-у, шу ёғи бор-да.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ШҮР** I [ф-т] I Меъридан ортиқ туз солинган, таъми ўткир (овқат, таом ҳақида). *Шўр овқат. Паловни шўр қилиб қўймоқ. Ачиқ-чучуқни шўр қилиб юбормоқ.* — [Қодиржон:] *Ҳали ош вақтида, ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан, деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. | Тузланган. *Шўр балиқ. Шўр карам. Шўр данак* намакобга ивигиб қулда қовурилган ўрик данаги. Самарқанднинг *шўр данаси, нўхатини ҳам Дунё кезиб тополмайсиз, сўзим чин, ошнам.* Н. Назруллаев.

2 Таркибида туз моддаси кўп бўлган, шўр босган. *Шўр денгиз. Шўр кўл. Шўр тўпроқ. Шўр сув.* — Айниқса эрта баҳорда бороналаш шўр ерларда катта фойда беради. «Қ. Ўзбекистон», 1959, 5 февраль.

3 *от* Тўпроқ таркибидаги туз ва ундан ер бетига ҳосил бўлган туз моддаси. *Ернинг шўрини ююмоқ.* — *Ерда ҳали шўр кўп. Сотиболди отам ҳам менинг фикримни тасдиқлаёттилар.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва. *Ўрмонжон .. шўр босган ердан илон изи бўлиб ўтиб, тўқайса кириб кетган тўпроқтегани камчининг сопи билан кўрсатиб: — Канал — деди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

4 Тернинг уст-бошга тепишидан ҳосил бўладиган туз, оқ доғ. *Эртан кеч тош майдалаб .. елкаларини бир элик шўр босган йигитлар [дарवेशга:] «Йўлчидан қолма!» дейишибди.* С. Анорбоев, Оксой. *От йўрттириб Юсуф Мадёров келиб қолди. У ҳалон темир йўлчи кийимида — энида қора китель, терининг шўри елкасида оқариб ётарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Шўр пахта** халқ медицинасида: оғриқни ёки шишни қайтариш учун намакобга ботириб ишлатиладиган пахта.

**ШҮР** II [ф-т] I *фольк.* Толей паст, бахтсиз, бечора; шўрлик. *Қози, муфти — бари бойнинг чокари, Камбагал шўр азалдан хизматкори.* Эргаш шоир. *Илоҳим қурисин подионинг иши, Кўп бўлдику мендай шўрининг койиши.* «Шинрин билан Шакар».

2 Азоб-уқубат, кулфат; бахтсизлик. *Худо бандасини яратганда, пешанасига чоракор бўлган, деб ёзмасин .. Э,— ҳа, камбагалнинг шўрини асти сўраманг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйласам, ҳар дам ҳамият ўти дилда мавж ураб, Соғали душман бошига шўру савдо бораман.* Ҳабибий. *Хоним,*

*тургин шу ваъдада ҳақиқат, Турмасанг солурман шўру қиёмат.* Ислон шоир.

◆ **Вой шўрим** с. т. «энди нима қиламан», «бу қандай кулфат» каби маъноларни ифодалайди. *Вой шўрим, қўлингга нима қилди? С. Зуннунова, Гулхан. Пешанаси шўр бахти қора, иқболи паст, бахтсиз. Отасининг ачиқ ҳикоясини эшитган Полвон билан Бекжон ўз пешаналарининг шўр эканига ачиндилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**Шўри қурди** бахтсизликка йўлиқди, хароб бўлди. *Ҳеч ким унинг сўзини қайтармади, қайтара олмади-да. Нега десангиз, ким унинг айтганини қилмаса, шўри қуриди деяверинг.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Шўри курсин** аҳволига вой, ҳоли хароб. **Шўринг кургур** бечора, шўрлик. [Ғофир домлаа:] *Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобиға яширинган зулдан, жафоалардан биз шўринг кургурлар кимга дод деймиз? Кимга?! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Шўрига шўрва тўкилди* бахтсизликка йўлиқди, хароб бўлди. — *Сиз қаерда бўсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Оғтобда шерикчиликда қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак. Бўлмаса шўримизга шўрва тўкилади,— деди Одил Эгамбердига.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **[Бировнинг] шўрини қуритмоқ** бахтсизликка дучор қилмоқ, хароб ёки расво қилмоқ. *Бир сартарош йигит ўзини муаллимман, фалон мактабда дарс бераман, деб гулдек Қариманинг шўрини қуритгани ҳақиқат-ку!* Мирмухсин, Умид.

**ШҮРА** I [ф-т] Ташландиқ ерларда, экин майдонларида гўлаб ўсадиган барглрининг усти ялтироқ, ости кул ранг ёввойи ўт. *Ариқнинг нариги ёнида какра, сунурги, шўра, сассиққана, яна алақандай ёввойи ўтлар гўлаб ётарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Шу ўсимликнинг янги чиққан пайтида — эрта баҳорда овқатга солса бўладиган бир тури. *Эрта баҳор .. Ёрқиной кўк тегиб юрибди. Қўлидаги сирланган тоғорани у ердан-бу ера сураб, у ён-бу ёнига эланиб, отқулоқ, исмалоқ, жағ-жағ, момақаймоқ, ялғиз, шўра қидирарди.* Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ШҮРА** II Токнинг (узумнинг) тўлгули, ғунчаси. *Токлар шўра чиқариб қолипти.* — *Биринчи хомтоқни ток новдаларида шўра пайдо бўлишига қараб апрель ойининг охирида .. ўткашиш маъқул.* М. Собиров, Хомтоқ.

**ШҮРАЖРИҚ** Шўр ерларда ўсадиган, бошоқдиларга мансуб кўп йиллик ўсимлик.

**ШҮРАЗОР** [ф-т] Шўра кўп ўсадиган ер, шўра билан қопланган майдон. *Бу ер илгари ташландиқ шўразор эди.* — *Маст учун гулзор билан шўразор баравар — янчиб ўтаверади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Униб гуллар, Ҳабибий, шўразор айланди гулзора, Жаҳонга бўлди ўрناق шавкату шоним каналлардан.* Ҳабибий.

**ШҮРАҚ** I [ф-т] I Тузли, шўр.

2 Баъзи овқат номларини билдирувчи қўшма сўзлар таркибида ишлатилади, мас. *нўхатишўрак.*

**ШҮРАҚ** II *айн.* қамғоқ.

**ШҮРАЛАМОҚ** I I Пўст ташламоқ, қуруқшамоқ (бадамда, юз-кўзда ҳосил бўладиган энгил тери касаллиги ҳақида).

2 *айн.* шўрламоқ I. Боланинг аъзойи-бадани шўралаб кетибди. — *Пастдаги икки хонанинг ғиштлари захкашликдан шўралаб оқариб кетган.* Мирмухсин, Умид. [Рўзимат отанинг] *бор бисотидаги битта чопонининг ҳам бари йиртиқ, дўпписининг жиязи шўралаб кетган эди.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

3 с. т. Шўра ўсимлиги билан қопланмоқ, шўразорга айланмоқ (ер ҳақида). *Қаровсиз қолган дала шўралаб кетади.*

**ШҮРАЛАМОҚ** II Гуллаш олдидан шўра, ғунча ҳосил қилмоқ, шўра чиқармоқ (ток ҳақида). *Токлар зангидан бареигача шовил-шовил шўралапти, ўриклар-чи, шохи ғўралапти .. Бог меваси олган билан одош бўлмапти, сотган билан соб бўлмапти.* Ё. Шукурров, Уч савол. *Токим шўралади, занги сув очиб, Барглар қўлтиғида ингичка новда.* С. Акбарий.

**ШҮРВА** [ф-т] Гўшт, пиёз, картошка ва бошқа сабзавотлар солиб пишириладиган суюқ овқат. *Қайнатма шўрва. Қовурма шўрва. Товуқ шўрва. Шўрва пиширмоқ. Шўрва ичмоқ.* Эт — этга, шўрва — бетга. Мақол. — *Дастурхон устидаги косалардан иссиқ ва ёлғиз шўрваларнинг ҳовури чиқиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — *Ҳозир сизларга қўлинг ўргилсин қайнатма товуқ шўрва қилиб бераман,— деди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Меҳмонда. **Карам шўрва** *айн. боршч.* Бизникилар: «*карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади,* дейишган эди, *гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлиши.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Қовурма шўрва** ҳамма масаллиқни аввал қовуриб олиб, сўнгра сув қуйиб тайёрланадиган шўрва. *Ғози .. ачиқ қовурма шўрвани ичиб, бир оз ўраниб ётгач, терлади.* И. Раҳим, Ихлос.

◆ **Арзоннинг шўрваси татимас қ. татимок** 2. Пул бўлса чангалда шўрва пул, бойлик етарли бўлса, ҳар қандай нарсага эришиш мумкин, деган маънони ифодаловчи мақол. **Шўрига шўрва тўкилди қ. шўр II.**

**ШҮРВА-ШҮЎЛТИ** Ёвфон суюқ овқатларнинг умумий номи (фақирона овқат ҳақида). *Энг бемаза, энг арзон шўрва-шўлтини қайнатиш учун иена билан қудуқ қазии керак бўлар экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ШҮРИ(Й)ДА** [ф-т] *эск. кт.* Бечора, шўрлик. *Булбули шўрийдани ҳуснинг кўрарга этма зор, Дилни берганман сенга рухсоти олингни кўриб.* К. Яшин. *Ҳар қайда ғарибу нотавону Шўриш-дага меҳрибон Муқимий.* С. Абдулла.



**ШҮРИЛЛАТМОҚ** айн. хуриллаатмоқ. Қизлар сувини шўриллаатиб ҳандалакни ея бошладилар. Ойбек, Улуғ йўл.

**ШҮРИШ** 1 Азоб-уқубат; кулфат; бахтсизлик. Эрталабдан бери бошига тушган шўришларни бир-бир ўйлаб, дунёда шу бугунгичалик абгор бўлмаганлигини эслади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мард бўлиб майдонда бориб турарман, Душманларга шўриш-ғавго соларман. «Ширин билан Шакар».

2 Емон иш; жанжал, ғавго. — Мени бирон машинада тезда Тошкентга жўнатини! Бу қизингиз тушқур бир шўришни бошлаганга ўхшайди, — деди Нафисахон Пўлатжон акага. Мирмуҳсин, Умид. — Ахир нега алдадинг мени, нега яширдинг бу шўришни-а?! — деди Ҳаққул ота. Х. Назир, Сув ғадоси. Бу даҳшат олдидан рангимиз сомон! Деб шўриш солибди, лекин йўқ нафи. Миртемир.

**ШҮРИШЛИ** 1 Азоб-уқубат келтирувчи. Келиб шўришли бир ўт тушиди жонга, Утиб жондан туташмоққа жаҳонга. Ҳабибий.

2 Жанжал, тўполон чиқарувчи; дунёни даҳшатга солувчи. Шўришли урушининг охири воқидир.

**ШҮРЛАМОҚ** 1 Таркибидаги туз моддаси сиртига тепиб, тузли оқ доғлар ҳосил қилмоқ, шўр босмоқ, шўрламоқ. Пойдевор ғишти заҳдан шўрлаб кетибди. — [Култойнинг] азбаройи терлаганидан чакмончининг елкаси шўрлаб-оқариб кетган эди. «Қ. Ўзбекистон», 1961, 17 октябрь.

2 айн. шўрланмоқ. Ерларимиз шўрлаб кетгани учун яҳоб берялмиз.

**ШҮРЛАНМОҚ** Таркибида туз моддаси ҳосил бўлмоқ; ортиқ даражада шўр бўлмоқ. Сув шўрланиб қолипти. Шўрланган ер.

**ШҮРЛИ** 1 Таркибида тузи бор, шўр босган. Шўрли ерларни ювиш.

**ШҮРЛИ** II айн. шўрлик II. Узоқларда жонсиз кўринган, Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган. Сахар туриб шўрли хотинлар «Танграм» деган, тўлиб йиғлаган. Ҳ. Олимжон. II Қалмоқ келар ўз ҳолидан беҳабар, Келиб қиргин топмасинда, шўрлилар. «Алпомиш».

**ШҮРЛИК** I шўр I с. белги оти. Овқатнинг шўрлиги. — Яқинда [Чортоқда] қавланган қудуқдаги сувнинг шўрлик даражаси Қора денгиз сувига жуда ўхшаш. Ф. Сирожиддинов, Чортоқ ҳавоси.

**ШҮРЛИК** II Толан паст, бахти қора; бечора. Шўрликка йўл ўйлаур. Мақол. — Шўрлик қизгинам, мен сени ўнта ўғил болага ҳам алишмасман, — деб қўярди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ШҮРО** [а] эск. айн. совет I. Шўролар ҳукумати. — Агар шундай қилиб тушунтирмасак, партия ва шўронинг сисъатини бузган бўламиз. Ҳ. Шамс, Душман. Эшитманга у озод Шўролар юрти, Кўндан сўнмиш у ерда Жабр, зулм ўти. Ғайратий. Яша Шўро, Яша Шўро! Сен яшайдирган замон, Ишчи

ўғли, шўхратингдан Балқисин рўйи жаҳон! Ҳамза. Сатторқул акам илгару ҳосилот шўросида раис эди. Ф. Гулом, Тирилган мурда.

**ШҮРПЕШАНА** [ф-т] айн. пешанаси шўр қ. шўр II. Бу шўрпешаналарга раҳм қилувчи, уларга кийим-бош берувчи, улардан ҳол сўрагучи йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ШҮРТАК** Бироз шўр, шўрроқ. Шўртак мағиз. Шўртак қурт. — «Дадажоним, меҳрибоним!» Бу сўзлар [Ерқинийнинг] чарос кўзларидан лабига юмалаб тушган шўртак ёшига йўғрилиб чиқди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ШҮРТАНГ** с. т. Шўртак. Туялар ўз ташналигини денгиз ва бошқа шўртангроқ сувлар билан қондира алади. «Фан ва турмуш», 1962, № 8.

**ШҮРТОБ** [ф-т] айн. шўрхоқ. Тупроқнинг шўртоб ҳиди, қуёнинг тафти, эрта баҳорнинг юзларни ялаб қотирувчи шабодаси ҳафта ўтмай қолхозчиларни тоблаб, тетиклантирди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ШҮРТУМШУҚ** Одамга эл бўлмай диган, аралашмай диган; одамови. Мен тушунтириб кетаман шўртумшўққа; улар бизнинг тилни ўранишсин. Илгару эди у, дворянлар бир-бирлари билан француз тилида гаплашишарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ШҮРХОҚ** [ф-т] Шўр билан қопланган, шўр босган ер. Марказий Фарғона водийсининг рельефи асосан шўрхоқ бўлиб, .. шўрхоқ ва тўқайзордан иборат. «Ўзбекистон географияси». Даштинге у ер бу ерида олачалоқ қор пағалари ётар, уни узоқдан киши оптоқ шўрхоқлардан ажрата олмасди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ШҮХ** [ф-т] I Вақтини ўйин билан ўтказадиган, ўйинқароқ; тўполончи. Эртадан кечгача яйлов далада тинмай ўйнаб чарчаган шўх болаларни бир лаҳзада ва бирдан уйқу олди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ўйин-кулгини, ҳазил-хузунли яхши кўрадиган; хушчақчақ, қувноқ. Шўх қиз. — О, бизнинг йигитлар жуда шўх бўлади, — деди Муҳаррам ўтираётиб, битта намунаси мана қошингизда турибди. Шўхрат, Шинелли йиллар. Йўлчи ўз ичида ўйлади! Ҳалиги болалар қани, ҳалиги шўх йигитлар қани? Ойбек, Қутлуғ қон. I Ўз қилиқлари, ишваси, ноз-карашмаси билан кишини ўзинга мафтун қиладиган; ўйноқи. Шўх кўзлар. — Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараҳхум айласун ул шўхи жонон бир келиб кетсун. Ҳамза.

3 кўчма Ўйноқлаб тез ҳаракат қиладиган; ўйноқи. Дам очаман қулочимни Қумуш сувларга. Дам бокаман мендек чопган Шўх охуларга. Ғайратий. II У, дўл тағида шўх айланаётган ялоқ катта тош атрофида ун гардларини сидирар, тегирмон тошининг ғув-ғувига ҳеч нарса эшитилмас эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 кўчма Кишига шодлик бағишлай-

диган, ҳазил-мутойиба аралаш, енгил ва жўшқин, ўйноқи, шўхчанг (қўшиқ, ўйин, музика ҳақида). Шўх куй. Шўх ўйин. — Дўстлар, қанча шодлик, қанча мазмун бор Ғолиб қолхозчининг шўх ялласида! Ўйғун. Қўзи ҳумору ғамзалик, оғзида шўх таронаю қўлда дуторини кўринг. Ҳабибий.

**ШҮХЛИК** I шўх с. белги оти. Нотаниш бўлса-да, она-келинчак Кўксиде яшнаган шу фарзанд-чечак, Қийқариб, талпиниб, орттирди ихлос. Қилғин, шўхлигин севиб қолдим рост. Ё. Мирза.

2 Кўнгил очиш учун қилинган ҳаракатлар; ўйин-кулги. Тўлқинжон. Ҳазил ва шўхликда, ҳар хил ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратди. Ф. Мусажонов, Хури.

3 Ножўя ҳаракат, тўполон. Болдек ширин узумни еб, ҳордиқлари тарқанган ва билакларидаги кучга куч қўшилган мўғул йигитлари тўқликқа шўхлик қила бошладилар. М. Оснм, Ўт-рор.

**ШҮХЧАН(Г)** I айн. шўх. Балки ғамгин бир зотдир у, Балки шўхчан бир аёл. А. Орипов.

2 кўчма Ранги кўзга ташланиб турадиган, очиқ рангли, рангдор (газмол ҳақида). Шўхчанг гулли чит. Шўхчанг рўмол. — Шўхчанг гулли юмшоқ поёндоз — ғилла тўшаган зинапоядан тушаётганларида, Таманно Тўлани енгидан ушлаб: — Ҳов ана, тоғамлар турибдилар, — деди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ШҮХ-ШАТИР** Шўхлик билан иш тутадиган, гапирганда ёки бирор иш қилганда истихоло қилиб ўтирмайдиган. Шўх-шатир «шум бола» бу ерда йўқ эди. Ф. Гулом, Шум бола.

## Э

Э I Ўзбек алфавитининг йигирма олтинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

Э II унд. с. I Ачиниб, афеусланиш, ўкинч маъноларини билдиради. Оҳо... шунча вақтдан буён ётибман денг? Э, бечора. Н. Сафаров, Уйғониш. Э, сиз томошадан қуруқ қолибсиз. П. Турсун, Муаллимнинг тонги. — Ростми? Пича лофи бўлса керак, — деди Йўлчи. — Э, .. сўзлаганларим дарёдан бир томчи, — давом этди Қамбар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Тасдиқ, таъкидлаш маъноларини билдиради. Э, бундай дегин. — Э, — Мирзакаримбой бутун гавдаси билан бир қўғалиб қўйди, — жияним Хушрўйибининг ўғлиман дегин, баракалла. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Норозилик, рад этиш, қайтаринш каби маъноларни билдиради. Э, бўлди. Э, қанақа одам бу? — Э, бўлмагур гапни қўйинг, қуда! П. Туреун, Ўқитувчи. Э, э... дастурхоннинг ҳошати йўқ эди. Еб-ичиб келдик. П. Турсун, Ўқитувчи.



4 Мурожаат, чақириш маъноларини билдиради. Э, *йигитча, бу ёққа кел. Э, биродар, сиз шу ерликмисиз?* — Э, *ҳўй! Яхшимисан... ҳўй!* — деди Фаҳриддин. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

5 юк. Баъзи сўзлар билан бирикиб келиб, сўзнинг маъносини кучайтиради. *Йўғ-э Э, ҳа. Э, келинг. Э, тавба. Балли-э Э, аттанг. Раҳмат-э 1) кўп раҳмат; офарин; 2) кест. хўп қойил қилди(нг); бошлади(нг).*

Э III айн. эй 2.

**ЭВ:** эвини топмоқ (қилмоқ) эпламоқ, йўлини топмоқ, улдасидан чиқмоқ. *Раҳим секин қочиб қолшининг эвини қиллолмай, ... қайрағоч тагидаги ўт устига чордона қурди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эви билан ёки эвида меъёрдан, чегарадан чиқмай, ҳаддан ошмай, йўли билан. Уятчанелик ҳам эви билан-да! Ужарлик ҳам эви билан-да! Эви билан сўзлаганинг қурбони бўл. Мақол. Эви бўлмади иложи бўлмади.*

**ЭВАЗ I** Ўрнига, бадалига тўланадиган ёки олинадиган ҳақ; бадал. *Куёв, эваси нақд бўлмаган оғир меҳнатга тоб бера олмай, Қимсанойни олиб шаҳарга кетиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 3-ш. эгалик ва ж. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. **эвасига**).

**ЭВАЗИГА** кўм. вазифасида Бадалига, ўрнига. *Фидокорона меҳнат эвасига ортирилган обрў. — Ол, дея тақдиринг бердинг қўлимга, Оҳ, нима сўрайсан эвасига, ёр? Шўхрат.*

**ЭВАКУАЦИЯ** [р < лат] Қўшинларни улар эгаллаб турган жойдан олиб кетиш; эгаллаб турган жойни ташлаб, бўшатиб кетиш. | Граждандарни, саноят корхоналари ва ш. к. ларни уруш ҳаракатлари бораётган ёки табиий офат юз берган территориядан хавфсиз жойга кўчириш. *Ярдорларни эвакуация қилмоқ.*

**ЭВАРА** Неваранинг боласи (бобога, бувига нисбатан).

**ЭВАРА-ЧЕВАРА** Эвара ва чеваралар, учинчи-тўртинчи бўғин, авлод.

**ЭВЕН** қ. эвенлар. *Эвен тили.* || *Эвен аёл.*

**ЭВЕНК** қ. эвенлар. *Эвенк тили.* || *Эвенк аёл.*

**ЭВЕНҚЛАР** Шарқий Сибирда яшовчи халқ; эвенк халқи.

**ЭВЕНЛАР** Якутия, Охотск денгизи соҳиллари ва Камчаткада яшовчи халқ; эвен халқи.

**ЭВКАЛИПТ** [р < грек] Австралида ўсадиган ва СССРнинг жанубида ўстириладиган бўйи баланд, барглари эфир мойига бой, доим яшил дарахт.

**ЭВОЛЮЦИОН** [р эволюционный] эволюцияга оид, узлуксиз тадрижий равишда ривожланадиган. *Эволюцион процесс.* | Эволюцияни ифодалайдиган, ўрганадиган. *Эволюцион назария.*

**ЭВОЛЮЦИЯ** [р < лат] Узлуксиз тадрижий ривожланиш, ўзгариш; табиат ва жамиятда узлуксиз ва тадри-

жий равишда давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдор ўзгаришлари. *Эволюция процесси.*

**ЭВОХ** унд. с. Афсусланиш, ўкинч билдириш; э, эх. *Эвоҳ ҳолиנגа! — На фарёд эшитди, на «доо!», на «эвоҳ!» Ернинг худолари яратган оллоҳ. Уйғун.*

**ЭГА I** Қўлидаги, ихтиёридаги, измидаги нарсага эгалик қилувчи, эгалик ҳуқуқидан фойдаланувчи; хўжайин, соҳиб. *Уй эгаси. Катта ер эгаси. Чикаси келса, эгаси сабабчи. Мақол. Эшакка муғуз битса, эгасини сузади. Мақол. Итнинг феъли эгасига маълум. Мақол. Ош эгаси билан ширин. Мақол. Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради. Мақол. || Мамлакатимиз катта табиий бойликларга эга. Бу масала катта аҳамиятга эга. — Колхоз бўлгандан кейин от-улов эгасининг қўлида қолаверармикин, ё батамом ўртага қўйилармикин? П. Турсун, Уқитувчи. Янги подионинг ўзи катта шоир, нозик завқ эгаси. Ойбек, Навоий. Ит эгасини танимайди ҳеч ким ҳеч кимни танимайди, ҳар ким ўз билганини қилади. Эга бўлмоқ 1) эгалик ҳуқуқини, фойдаланиш имкониятини қўлга киритмоқ, хўжайин, соҳиб бўлмоқ. *Уйга эга бўлмоқ. Кенг имкониятларга эга бўлмоқ; 2) эришмоқ, муяссар бўлмоқ. Олий маълумотга эга бўлмоқ. Эга чиқмоқ* ҳеч алоқаси, ҳуқуқи бўлмаган ҳолда эгалик даъво қилмоқ ёки эга бўлиб олмақ.*

2 грам. Гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганлигини билдирувчи сўз, гапнинг бош бўлақларидан бири — ҳокими. *Эга билан кесим мослиги.*

3 с. т. (фақат 1-ш. эгалик аффикси билан) Тангри, худо. — *Буни яратган эгамнинг ўзи билди, — деди оқсоқол. П. Турсун, Уқитувчи. Сизни эгам сўзга пичиб қўйдан экан-да. Ойбек, Қутлуғ қон. Жон эгаси жонли нарса (киши ёки ҳайвон). Саид Жалоҳон қичқириб қолди: — Қирингиз! Қуритингиз! Экиндан кўкнор, жон эгасидан тошбақа билан пашша қолса бас! А. Қаҳҳор, Башорат. Уликнинг эгаси ўлган ёки қатл қилинган одамнинг қариндоши (отаси, онаси, ўғли, қизи ва ш. к.).*

**ЭГАЛИ** Эгаси бор, эгалланган. *Эгали ер.*

◆ **Эгали гап грам.** эгаси бор, эгаси ифодаланган.

**ЭГАЛИК I** эга с. белги оти. Эгалигини исбот қилмоқ.

2 Эга бўлиш ва ундан келиб чиқадиган ҳолат ва ҳақ-ҳуқуқлар. *Эгалик қилмоқ. — Бутун рўзғорга эгалик қилишга, ўз амридан ҳеч кимни чиқармасликка тиришар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 с. т. Эгаси бор, эгали. *Бир қулоқ бўлса ҳам, ўз еринг бўлсайкан [бўлса экан], қаёққа қарама — эгалик. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

◆ **Эгалик кўшимчалари (ёки аффикслари) грам.** от ўзак-негизга қў-

шилиб, предметнинг кимга, нимага тегишли эканини билдирадиган грамматик кўшимчалар: **-(и)м, -(и)нг, -(с)и, -(и)миз, -(и)нгиз, -лари.**

**ЭГАЛЛАМОҚ I** Эга бўлмоқ, эга бўлиб олмақ, қўлга киритмоқ. *Уйдаги асл буюмларни ўзи эгаллаб олади, биз унда нима қиламиз. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Ишғол этмоқ, банд этмоқ, олмақ. *Лавозимни эгалламоқ. Раислик ўрнини эгалламоқ. Боғнинг учдан бир қисмини бино эгаллаган. — Кечаси ой чиққунча, янги позицияни эгаллаб, тонггача тиззадек келадиган оқоплар тайёр бўлди. Шўхрат, Шинелли йиллар. | Ҳушқирмоқ, обод қилмоқ. Мирзачўл даштини эгалланг дея, Тарихий декретга чекканди имзо. Ғайратий.*

3 *қўйма* Қамрамоқ, қамраб олмақ, чулғамоқ, қоплаб олмақ, забт этмоқ, босмоқ. *Муҳаббат унинг юрагини ҳар кун яна чуқурроқ эгаллаб, дардини кучайтирган, севгининг чин маъносини тушуна бошлаганди. Ойбек, Қутлуғ қон. Назарийда чарақлаб турган қўшининг юзи тўйсилгандек, ёруғлик ўрнини зулмат эгаллагандек туюлди. А. Муҳиддин ва Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. Шу топда унинг бутун вужудини чексиз ғазаб эгаллаган эди. Ойбек, Куёш қораймас.*

4 *қўйма* Урганмоқ, ўрганиб олмақ, биллиб олмақ, ўзлаштирмақ. *Рус тилини эгалламоқ. Техникани эгалламоқ. Илми меҳнатсиз эгаллаб бўлмас. Мақол.*

**ЭГАЛЛАНМОҚ** эгалламоқ *фл. мажҳ. н. Минг гектар янги ер эгалланди. Янги техника тез эгалланди.*

**ЭГАЛЛАШМОҚ** эгалламоқ *фл. бирг. н. Болалар ҳамма жойни эгаллашибди.*

**ЭГАР I** От-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал. *От эгари. Отга эгар урмоқ. — Қомил кумуш узанига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди. Х. Ғулом, Машъал. Эгардан тушмоқ 1) от-улов устидан тушмоқ. Яхшиликча эгардан туш-у, қўлингни кўтар. Бўлмаса от устидан телтақдай учираман. П. Турсун, Уқитувчи; 2) қўйма кибр-хавоси пасаймоқ, димоғдан тушмоқ. Фақат Самадийгина ачитди: — Энди эгардан тушибсиз-да, доҳий. А. Мухтор, Туғилни; 3) лавозимдан бўшамоқ, маъқени йўқотмоқ. Оқ подшо отдан тушса ҳам, Саид Жалоҳон эшон ҳали эгардан тушмаган эди. С. Аҳмад, Хукм.*

2 Турли машиналарнинг одам ўтирадиган жойи, ўтиргичи. *Велосипед эгари. Трактор эгари.*

◆ **Эгар қош 1)** қайрилма қош; 2) шундай қошли одам.

**ЭГАР-ЖАБДУҚ** Эгар ва унга тегишли бошқа абзаллар мажмуи.

**ЭГАРЛАМОҚ** Эгар-жабдуқ урмоқ, эгар уриб шайламоқ. *Отингизни эгарлаб беринг, шаҳарга тушиб чиқаман.*

Х. Ғулум, Машғал. Эгарланган отдек тайёр, шай.

**ЭГАРЛАНМОҚ** эгарламоқ *фл. мажх. н.* Эгарланган от.

**ЭГАРЛАТМОҚ** эгарламоқ *фл. орт. н.* Бугун ҳар ҳафтабағидек эртарақ саман йўрган эгарлатиб қўйган эди у. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭГАРЛАТТИРМОҚ** эгарлатмоқ *фл. орт. н.* Афандига юролмайдиган қари отни эгарлаттириб берди. «Латифалар».

**ЭГАРЛОҒЛИҚ** Эгар урилган, эгар уриб шайланган. Эгарлоғлиқ, тайёр турган Шу замон Едеорнинг оти. «Едгор». Эрталаб хон саройидан шивоғул эгарлоғлиқ бир от келтириб, таъзим билан элини арка чорлади. М. Осим, Элчилар.

**ЭГАРСИМОН** Эгар шаклидаги, эгарга ўхшаган. Эгарсимон тоғ.

**ЭГАРЧИ** Эгар ясовчи уста.

**ЭГАРЧИЛИК** 1 эгарчи с. касб оти.

2 тар. Эгарчилар маҳалласи ёки растаси.

**ЭГАРҚОШ** (тўғриси эгар қош) қ. эгар.

**ЭГАСИЗ** Бирор кимсага қарашли бўлмаган, эгаси йўқ; сабил. Эгасиз мулк. — Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган қўриқлар кўп. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Эгасиз қолгур! қарғ. эганг ўлгур! (асосан, молга, уй хайвонларига нисбатан).

◆ Эгасиз гап грам. эгаси бўлмаган гап (қ. эга 2).

**ЭГАСИЗЛИК** 1 эгасиз с. мавҳ. от.

2 айн. хўжасизлик.

**ЭГАТ** Шудгор ерда экин экиш учун тортилган узун ариқ. Эгат очмоқ (ёки солмоқ) ҳайдалган ерда эгатлар ҳосил қилмоқ, ариқ олмоқ. Сувни эгатларга оқизиб қўймоқ.

**ЭГАЧИ** айн. она 1. Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Айланай эгачи, боининг уйида қўриман, тақдир шу экан, — вайсай бошлади хотин кампирга. Ойбек, Улуғ йўл.

**ЭГАЧИЛИК** эгачи с. мавҳ. от.

**ЭГАЧИ-СИНГИЛ** Эгачи ва сингил, опа ва сингил. Эгачи-сингилларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Эгачи-сингил тутиммоқ.

**ЭГДИРМОҚ** эгмоқ *фл. орт. н.* Олманинг шохини эгдирмоқ. Бўйин эгдирмоқ.

**ЭГИЗ(АК)** 1 Бирга туғилган икки ёки ундан ортиқ бола. Эгизак туғилган болалар. — Менинг қўйим кўпи эгиз туғади. Эргаш шор.

2 кўйма Бирга вужудга келган, бир-биридан ажралмас. Садоқат — асл виждон! Бурчага эгизак! У юракка қадрдон, Ҳайтага безак. Ё. Мирза. Эгизак касб бир-бирига яқин, ажралмас касб. | Икки, иккита, қўш. Дабдурустдан икки савол туғилди эгизак: «Ватанимми, ё бўлмаса юрагим кенероқ?» Ё. Мирза.

**ЭГИК** 1 Эгилган, қуйи солинган; букик. Эгик бўйин. Қадди эгик одам.

2 Эгилган, қайрилган; эгри, қий-шиқ, қийшайган. Эгик найчалар.

3 от Эгилган жой, букик. Эгигини тўғриламоқ.

**ЭГИЛИК** 1 Яхшилик, фазилат, хислат. Ҳай, ўртоқлар!.. Коллективлик эгилиги бизга аён. Ғ. Ғулум.

2 Эзгулик, савоб, савобли иш; яхши, ғаразиз иш. Эгиликнинг кечи йўқ. Мақол.

**ЭГИЛИШМОҚ** эгилмоқ *фл. бирг. н.* Ўт-ўланлар эгилишган. — Шамолат асноси гуллар келинлар каби ҳар томонга эгилишиб салом беришиб олар эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЭГИЛМА** Эгилган, қайрилган. Эгилма қош айн. қайрилма қош қ. қайрилма 1.

**ЭГИЛМОҚ** 1 эгмоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Бўйини эгилди. Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади. Мақол. Чивик тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади. Мақол. — Тозағул сўзлаган сари Эъвозхоннинг боши хижолатдан қуйи эгилди. Х. Ғулум, Машғал. Саодат кампир узун, ёшига қарамай, ҳали эгилмаган. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўйма Бирор ишга бўйини ёр бермоқ, бирор ишга қайишмоқ, белни букмоқ, бел букиб ишламоқ, иш қилмоқ. Уй ишига ҳам эгилсанг-чи!

3 Таъзим қилмоқ, сажда қилмоқ; бошни ҳам қилмоқ. Эгилган бошни қилчи кесмас. Мақол. — Атрофдаги одамлар бари пулдор.. Уларга эгилсанг, бошингни силайдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭГИЛТИРМОҚ** эгилмоқ *фл. орт. н.* **ЭГИЛУВЧАН** Қайрилиб синмайдиган, эгиладиган, букиладиган, эластик. Эгилувчан новда. Эгилувчан найчалар.

**ЭГИЛУВЧИ** 1 эгилмоқ *фл. ш. оти.*

2 кўйма Кулларча бош эгувчи, сажда қилувчи. Эгилувчи билан тиланчи орасида нима фарқ бор? Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭГИН** (3-ш. бирл. эгни) 1 Орқанинг елка ва бўйин орасидаги устки қисми; уст. Энида эски .. оқ чит қўйлак. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Энгил, кийим-бош. Энгим бутун.

**ЭГИН-БОШ** с. т. Энгил-бош, кийим-бош. Ғулумжонни шаҳарда кўпроқ ажаблантирган нарса шу бўлдики, у мадрасадан кетиб қолгандан бери гадоилар, тиланчилар, эгни-боши хароблар илгаризидан ҳам кўнаиб кетган эдилар. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ЭГМА** Эгнб ясалган, эгилган, қайрилган. Эгма трубалар. — Сирож эгма кўприкдан ўтиб кўл ўртасидаги чойхонага кирди. С. Зуннунова, Одамлар орасида.

**ЭГМОҚ** 1 Ер томон энгаштирмоқ, қайирмоқ, букмоқ. Дарахт шохини эгмоқ. Бош эгмоқ 1) бошни қуйи солмоқ, ерга қарамоқ. Қиз чол олдида камтаргина бош эгиб салом берди. Х. Аҳмар, Ким ҳақ? 2) кўйма бўйсунмоқ, итоат қилмоқ. Тоқатлига тоғлар

эгар бошини. Мақол. — Биз тоқай қипчоқлар қўл остида эзиламиз ва бир ҳовуч далабларга бош эгамиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сенинг режанг билан саркаш дарелар Иродамиз олдида эғди бошини. Ғайратий.

2 кўйма Қаддини букмоқ, букчайтирмоқ. Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади. Мақол.

3 кўйма Бўйсундирмоқ, ишга қайиштирмоқ, қўлга олмоқ. Болани ёшлигидан эғиб олиш керак.

◆ Бўйин эгмоқ қ. бўйин 1 1.

**ЭГОВ** 1 Қаттиқ буюмни (темир, ёғоч ва ш. к.ни) кесиб, текислаш, пардозлаш учун ишлатиладиган, пўлатдан ясалган чилангарлик асбоби. Уч қиррали эгов. Юмалоқ эгов. Ялпоқ эгов. Йирик тишли эгов.

2 кўйма Кишини жондан тўйдирадиган, унинг умрини қисқартирадиган кимса, нарса. Ичкилик ақлининг эгови. Ёмон хотин умрнинг эгови. — Ҳамма косиб шундай бўлади, жоним! Косибчилик умрнинг эгови. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭГОВЛАМОҚ** 1 Эгов билан ишлов бермоқ, эгов билан силлиқламоқ, ўткирламоқ. Аррани эговламоқ. Кетмоннинг дамани эговламоқ.

2 кўйма Рухий азоб бермоқ, қийнамоқ, емирмоқ. [Дилбар:] Ўзингизни ўзингиз эговлаясиз, Қомилжон ака. О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. | Безовта қилмоқ. Болаларнинг миясини бу зулматдан ёруғ дунёга чиқармиканмиз, деган ҳаёл эговлай бошлади. О. Акрамхўжаев, Қоинотнинг сирни.

**ЭГОВЛАНМОҚ** 1 эговламоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Эговланган юза. Эговланган пўлат. Пластмасса яхши эговланади. — Ўзингиз ҳам эговланиб қолганга ўхшайсиз. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

2 кўйма Силлиқланмоқ, сайқал топмоқ. Бир қолинга тушолмаган Дурда-дурда фикрлар эговлансин. Ғ. Ғулум.

**ЭГОВЛАТМОҚ** эговламоқ *фл. орт. н.* Аррани эговлатиб олмоқ.

**ЭГОЙЗМ** [р < фр] Ўзини ва ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш; худбинлик, нафсоният.

**ЭГОЙСТ** [р] Ўзини ва ўз манфаатини ҳаммадан устун қўядиган одам; худбин. Эгоистлар — ёмон одамлар, .. фақат ўзим бўлай бейишади. Уларининггина, ўз ҳаётларининг ҳузур-ҳаловатининггина ўйлашади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЭГОИСТИК** [р эгоистический] Эгонизмга ва эгоистларга онд, эгонизм руҳида бўлган, эгонизм руҳи билан сугорилган. Олий мактаблардан чиқаётган баъзи кишилар .. жамият манфаатларини эмас, балки ўзларининг эгоистик шахсий манфаатларини афзал кўраётганликларидан кўз юмиши мумкин эмас. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 19 июнь.

**ЭГОИСТЛИК** 1 эгоист с. белги оти. Эгоистлик қилмоқ.

2 айн. эгонзм.

**ЭГРИ** 1 Тўғри чизик бўйлаб йўналмаган; қийшиқ, қинғир. *Эгри чизик. Эгри қилч.* || *Эгри ўтирсанг ҳам, тўғри гапир.* Мақол. — *Қўлида бир эгри таёқ, орқасида бир кир халта билан бир тиланчи кампир келиб ҳалиги уй эшиги олдида ўтирди.* Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Нотўғри; ноҳўя, чакки. *Эгри йўлга кириб кетмоқ. Тўғри сўз тошчи ёради, эгри сўз бошчи (ёради).* Мақол. || *Эгри озади, тўғри ўзади.* Мақол. | Нотўғри, хато. *Аббосхон ўз соҳасида етарли билимга эга. Сўз табобат устида борганда, унинг ҳам кўзига тўғри нарсалар эгри бўлиб кўриниши мумкин.* А. Қаххор, Сароб. *Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқариши одатингизни ташланг.* Ойбек, О. в. шабадалар. || *Дўстим, ҳаётга чуқурроқ қарасангиз, тўғри билан эгрини айира биласиз.* Ойбек, Нур қидириб. | Соф бўлмаган, нопок. *Қўнгли (дили) эгри одам. Қўли эгри айн. ўғри. Ялқов ва ғирром, ё қўли эгри бўлса, силлиқлик билан ҳайдайман, деб ўйлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Воситали, бавосита, бевосита бўлмаган. *Эгри солиқ. Эгри далиллар юр.* бавосита йўллар билан олинган, кўшимча далиллар.

**ЭГРИ-БУГРИ** Ҳар томонга қийшайиб кетган; қинғир-қийшиқ, илон изи. *Эгри-буери деворлар. Эгри-буери шоҳлар. Эгри-буери ариқлар.* — *Фазлиддин тиржайиб, эгри-буери тишларининг оқини кўрсатди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Саодат эгри-буери сўқмоқлардан ҳар бир девон ошан сари .. ўзини енгил ҳис қилмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

**ЭГРИЛИК** 1 эгри с. белги оти. Йўлнинг эгрлиги. — *Мен домланикида, эшонникида юравериб ҳийла қўли эгрликка ўрганиб қолганман, — деди Шум бола.* Ф. Ғулом, Шум бола. **Сўзни** (ёки гапни) эгрликка олмоқ (ёки бурмоқ) нотўғри тушунмоқ, маъносига тушунмасдан бировнинг сўзини бошқача, нотўғри талқин қилмоқ. — *Эгрликка олманг, Зайнаб!* — деди Кумуш. — *Мен бу гапимни ёнимда эрим бўлганда кирма, деб айтмадим, балки бояги сўзимнинг исботи учун айтдим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Эгилган жой; эгик, букки. *Эгрликни тузатмоқ. Эгрлик радиуси (мат.).*

**ЭЖИКИЛАМОҚ:** эжикилаб майда-чўйдасигача, ҳамма тафсилоти билан, батафсил; синчқилб. — *Гапир, қани, отанг саломат юрибдими? — эжикилаб сўрай бошлади бувим.* Ойбек, Болалик.

**ЭЗГИН** диал. 1 Эзгу, хайрли.

2 Юракни эзадиган, ғамгин, хазин. *«Сегоҳга ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЭЗГИЧ** кам қўлл. айн. эзгин 2. *Қизлар оғир эди бошларни. Сукут .. эзгич,*

*маънодор, узоқ. Лабни тишлаб, тугиб қошларни.* Ойбек.

**ЭЗГУ** Хайрли, савобли, яхши. *Эзгу иш. Эзгу ниятлар. Эзгу тилаклар.*

**ЭЗГУЛИК** 1 эзгу с. белги оти.

2 Хайрли, савобли иш. *Эзгуликнинг кечи йўқ.* Мақол.

**ЭЗИБ-ИЧКИ** этн. Дуо ёзилган, сув ёки чойга чайқаб эзиб ичиладиган, гўё даво бўладиган қоғоз. *Қиз, ғушангада кийилажак юпка оқ кўйлакни .. ва икки томоннинг кўнглига «ўлмас муҳаббат» солувчи «эзиб-ичкинни» бирга қўшиб, рўмончага тугиб, эртага унутмаслик учун, беллиги жойга қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭЗИК** 1 Эзилган; уваланган; янчилган. || — *Отам ғирт оми бўлишига қарамай, ўта диндор эди .. Данақ чақса, эзигини ўзи еб, бутунини оло йўлга бағишлаган, — деди чол.* А. Муқимов, Қопқон.

2 *кўчма* Эзилган, жабрланган, абгор бўлган. *Алишансан мени ўғлон боланга, Аламмим кўп эзик юракларимда.* «Орзигул».

**ЭЗИЛИШМОҚ** 1 эзилмоқ *фл. бирг. н.*

2 Эзмалик қилиб сўзламоқ, гаплашиб ўтирмоқ. [*Кутидорнинг*] *сўзга қулоқ ҳам солмай, — меҳмонхонада ҳожи бор, сен билан йўлакда эзлишиб ўлтирмайман, ному!* — деб бурилиб кетиши бечорани жуда ҳам эсанкиратиш ташлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЭЗИЛМОҚ** 1 эзмоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Эзилган тамаки. Эзилган мева. Эзилиб пишган гуруч. Қалласи эзилган илон. Эзилган халқлар.

2 Куйинмоқ, ачинмоқ, куймоқ, ташвиш тортмоқ. *Рухан эзилмоқ. — У, боланинг онаси урушининг дастлабки ҳафтасидеёқ, бомба таенда қолиб ўлганини эшитиб, қаттиқ эзилди.* Р. Файзий, Шохи дарпарда. *Бечора қиз отага муҳтож. Отасиз эзилиб битмаса яхши эди.* И. Раҳим, Ихлос. — *Кумуш ҳам менинг тепамда ўтириб, эзилиб йиғлар, бутун вужуди қалтирарди, — деди Қамолддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. **Бағри** (ёки юраги, юрак-бағри) эзилди 1) қаттиқ куйинди, ачинди, раҳми келди. *Болтабой кўзларида жиққа ёш билан эшикнинг кесакисига беҳол суяниб қолган Саодатни кўриб, юрак-бағри эзилди.* Ж. Шарипов, Саодат; 2) роса қийналди, жигар-бағри хун бўлди. *Муродўжга домла ўз меҳмонхонасига Саудийнинг кўчиб келишига розилигини олгунча, юрак-бағри эзилиб кетган эди.* А. Қаххор, Сароб.

**ЭЗИЛТИРМОҚ** эзлмоқ 1 *фл. орт. н.* Овқатни эзилтириб пиширмоқ.

**ЭЗИГЛИК** Эзилган; эзиб сиқилган. *Эзиглик ўсма. Эзиглик дори.*

**ЭЗМА** Бир гапни ҳа деб такрорлайверадиган; гапдан оғзи тинмайдиган, кўп гапирадиган, сергап. *Эзма чол. Эзма бўлмоқ. — Кўпчилик айтаюндек, киши қариса Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан.* Ф. Ғулом.

**ЭЗМАГАРЧИЛИК** айн. эзмалик 2.

**ЭЗМАЛАНМОҚ** 1 Бир гапни ҳа деб такрорлайвермоқ; чакаги тинмай гапиравермоқ, кўп гапирмоқ, гапни эзмоқ. *Ортиқ эзмаланиб ўлтиришга Эҳсоннинг фурсати йўқ эди.* А. Қаххор, Сароб.

2 *Жуда секин, имиллаб иш қилмоқ; ивирсимок, ивирсирамоқ, имилламоқ. Эзмаланмай, тез кийинсанг-чи!*

**ЭЗМАЛИК** 1 эзма с. белги оти.

2 Ортиқча ва унчалли керак бўлмаган тафсилотларга, майда-чўйдаларга берилиш.

**ЭЗМА-ЧУРУК** с. т. Ортиқ даражада эзма, сергап. *Эзма-чурук кампир.*

**ЭЗМОҚ** 1 Босиб мажақламоқ, пачоқламоқ, янчмоқ. *Оёқ учи билан папиросни эзмоқ. — Енида чумоли уясини кўриб, оёғи билан эзди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | *Уқаламоқ, ишқиб майдаламоқ. Чол бошқа чой қақриб, белбоғининг қатидан қуруқ чой олиб кафтида эзди-да, пиллага солиб қайтарди.* С. Ахмад, Ҳукм. | *Ивитиб таъмини чиқармоқ, ивитиб аралаштирмоқ. — Қалампирдан кўнгина эзиб, ачиққина қилиб ичиб олди. Энди, ҳудо хоҳласа, тузалиб кетади. — деди Бегойим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Эзиб ичмоқ** 1) бирор нарсанга суяқликда, сувда ишқалаб, эритиб ичмоқ. *Дорини эзиб ичмоқ. — Эрталаб Шоқосим бир парча эски қоғозга ўралган, хушбўй, қандайдир бир ўсимликнинг қовжироқ гулини келтириб, қайноқ сувда эзиб қизга ичиришни буюрган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) *кўчма* яхши билиб олмоқ, беш қўлдай билмоқ. *Студентлар .. унга [Адҳамга] ҳавас билан қарашар, суҳбатларида «математикани эзиб ичиб юборган-да», деб мақтардилар.* Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб. | *Босиб, сиқиб жингиртоб қилмоқ, абжағини чиқармоқ. Жигини эзмоқ. — [Йўлчи] бутун гавдаси билан Қора Аҳмадни эзиб, қўли билан томоғини хип бўғди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Асқар хансараб ва бошидан каскасини олиб ерга ташлади. Мангайни эзиб юборди бу чўян қалпоқ.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Эзиб ташламоқ** 1) ер билан яқсон қилмоқ, мажақлаб ташламоқ. *Танк дзотни эзиб ташлади;* 2) *кўчма* рухан қийнамоқ, абгор қилмоқ. *Шаҳлосини кўрмади ортиқ, Тоғдай эзиб ташлади фироқ.* Т. Тўла.

2 Кафтларнинг орасига олиб сиқмоқ, миңғиламоқ. *Ойи, сув! Сув! Гулнор дам кўкрасини, дам томоғини, дам бошини гиҷимлаб эза бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Босиб, сиқиб сувини олмоқ. *Узумни эзмоқ.*

4 *кўчма* Жабрламоқ, сиқмоқ, эксплуатация қилмоқ. *Халқларни қул қилиб, эзиб келган подшо ҳукумати ағдарилди.* Т. Бекмуродов, Унутилмас воқеалар.

5 *кўчма* Рухан қийнамоқ, азобламоқ,

абгор қилмоқ, Юрагини эзмоқ, Қалбин эзмоқ, Жигарбагрини эзмоқ, — Фақат мени бир нарса эзпти. — Бир умр танимаган, .. бир қишини уйга олиб кириб, ёш хотинининг олдига ташлаб кетган бу йигита ҳайрон бўляпман, — деди йигит. С. Аҳмад, Таъзим.

6 Юракин тўлқинлантирмоқ. Хазин ашула юрагини эзиб юборди. — «Роҳатни эшитиб Тантубойвачча, «эзиб юбордингиз, жонидан!» — қичқирди ва банги каби бир «дўст» тортди. Ойбек, Қутлуғ қон.

7 қўйма Бир гапни эзмалик билан чўзмоқ, чайнамоқ.

◆ Эзиб ёғмоқ тинмай майдалаб ёғмоқ (ёмғир ҳақида). Ёмғир эзиб ёғарди, шинелимдан зах ўтиб, кўкрагимнинг алақаси ивишиб оғрий бошлади. А. Мухтор, Давр меннинг тақдиримда.

ЭЗФИЛАМОК I Обдан, яхшилаб эзмоқ, ҳа деб эзавермоқ. Папирос алақачон тупроққа қорилиб кетган бўлса ҳам, ҳамон ўша ерни оёғи билан асабий эзгиларди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Уқаламоқ, уқалаб, эзиб майдаламоқ, юмшатмоқ. Тошпўлат бир сиқим кесакни олиб кафтида эзгиларди. У. Умарбеков, Юлдузлар.

3 Пишитмоқ; ийламоқ, эзиб юмшатмоқ. Хамирни эзгиларди. — Сайрамов, «Қазбекни чўнтаидан тез чиқариб, папиросни сал эзгилаб лабга қистирди. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЭЙ унд. с. I Мурожат, чақирик маъносини билдиради. — Тўхта, эй тўхта дейман! П. Турсун, Уқитувчи. Розилик бер, эй улуг Ватан, Фанни компас қилиб учайлик. З. Дийр.

2 Ачиниш, афсусланиш маъносини билдиради. — Эй, — деди Омон, — ёшлар хизматда, катталар роҳатда деганлар, сен ювасан, мен сув қуйиб бераман. Ф. Ғуллом, Шум бола.

-ЭЙ юк. Фикрни қувватлаш, маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Извошиқларинг шунақа юмошқуми-а? Нақ бахмал тўшақдай, жоннинг ҳузур-эй. Ойбек, Қутлуғ қон. Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларнинг барисини қўлга киргизиб олди-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭЙВОХ айн. эвоҳ.

ЭКАН I эмоқ фл. сфдш.

2 Фельдан бошқа сўз туркумлари билан келиб, воқеа-ходисанинг бўлган, бўлиб ўтганлигини билдиради ёки уни тасдиқлайди. Қизингизни авраб уйдан қочирган одам Йўлчи шайтон экани маълум бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. — Нима гап ўзи? — деди Самандаров, — аввал нима эканини билай, айтган бўлсам, айтдим дейман. А. Қаххор, Қўшчинор. I Фельдан бошқа сўз туркумлари билан келиб, от кесим ясайди ва гапга турли қўшимча маъно беради. Жувоннинг оти Рихси экан. Бу кино кинотеатр экан. Қанақа масала экан?

Жуда қўрқоқ экансиз. — Палов қиладиган кези экану, ука, камбағалмиз-да. Ойбек, Қутлуғ қон. | (ў.п. к-даги сўз билан) Бирор жойда турганликни, бўлганликни билдиради. Келин отасиқида экан. — Гулнорнинг шуниқида эканига Йўлчида ҳеч қандай шубҳа қолмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

ЭКВАТОР [p < лат] Ер шарининг икки қутби ўртасидан ўтадиган ва Ерни Шимолий ҳам Жанубий ярим шарларга ажратадиган фаразий айлана. Географик экватор. Ер экватори.

— Кун бўйи ўчоқдаги лаҳча чўғдай довуллаб ёнган экватор қўшининг тафти ҳам энди хийла босилди. С. Абдуқаҳҳор, Очиқ дераза тагида. Осмон экватори осмон сферасини Шимолий ва Жанубий қисмларга ажратадиган фаразий айлана.

ЭКВАТОРИАЛ I [p] астр. Иккита бир-бирига перпендикуляр бўлган ўқ атрофида айланадиган ва хар қандай осмон жисмининг осмон экваторига нисбатан вазиятини аниқлашга имкон берадиган телескоп.

ЭКВАТОРИАЛ II [p экваториальный] Экваторга оид, экваторда бўладиган. Экваториал минтақа.

ЭКВИВАЛЕНТ I [p < лат] Бирор нарсага тенг ёки бирор жиҳатдан мос келадиган ва унинг ўрнини боса оладиган бошқа нарса. Иссиқликнинг механик эквиваленти. Химиявий эквивалент. — Қўйилма қиймат товар муомаласидан пайдо бўла олмайди, чунки товар муомаласида эквивалентларгина айрибошланади. В. И. Ленин, Карл Маркс.

ЭКВИВАЛЕНТ II [p эквивалентный] Тенг, тенг бўлган; мос келадиган, ўрнини боса оладиган. Эквивалент миқдорлар. Эквивалент сўзлар.

ЭКДИРМОҚ эмоқ фл. орт. н. Чигитни барвақт эждирмоқ. — [Саид Жалолхон] колхоз раисининг олдига бориб «бу йил пахта атрофида кўкнор эждириб берасан» деса нима қилади? А. Қаххор, Башорат.

ЭКИЛМОҚ эмоқ фл. мажх. н. Ариқ бўйига дарахт экилди. Экилган чигитлар униб чиқди.

ЭКИН I Ҳосил олиш учун экилган хар қандай ўсимлик. Экин майдони. Экин кампанияси. Экин эмоқ, Экинларни сугормоқ. — Боғларни бир-бирдан айирган деворлар кўринмас; ишқомлар, мезазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Дала ва боғларда битадиган ўсимликларнинг тури, хили. Ғалла экинлари. Полиз экинлари. Техника экинлари. — Унинг [Ботиралининг] айтишича, қишлоқнинг асосий экини бўлган шолидан бу йил мўл ҳосил олинган. Ҳ. Ғуллом, Машғал. Қора экинлар дилал. полиз экинлари. Қора экинлар билан жайдарни пахтани ҳали ҳам камайтиришча маслаҳат бераман. Н. Сафаров, Уйғониш.

ЭКИНЗОР Экин экилган, экин билан

банд бўлган жой, дала. Чўлни экинзорга айлантирмоқ. — Бу ердан экинзор томонга [ариқ] тортиши қийин. Баланд-пастлик кўп. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭКИНЗОРЛИК айн. экинзор. ЭКИНЛИ Экин экилган. Экинли ер экилган ер, дала.

ЭКИН-ТИКИН Ҳар хил экин; ҳар хил экинлар. | Экин экиш; экин экиш ишлари. Уч йиллаб Азизбек истибодидида эзилган. Тошкент халқи эркин нафас олди, савдо-сотик, экин-тикин ва касбкор кўтарила бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЭКИНЧИ эск. Экин экувчи, деҳқон. ЭКИНЧИЛИК эск. Экин экиш, деҳқончилик. Экинчилик қилмоқ.

ЭКИПАЖ I [p < фр] Кема, самолёт, танк ва ш. к. командасини ташкил қилган кишилар жаммуи. Самолёт экипажи. — Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭКИПАЖ II [p < фр] От қўшиладиган энгил арава; фйтон.

ЭКИШМОҚ эмоқ фл. бир. н.

ЭКЛЕКТИЗМ [p < грек.] филос. Ҳар турли, ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган фикр, қараш, ғоя ва назарияларни бирлаштиришга уриниш, принципсизларча қориштириб юбориш. Махнинг .. сўнги фалсафий асарларида бу эклектизм айниқса яққол кўзга ташланади. В. И. Ленин, Эмпирокритицизмнинг ва диалектик материализмнинг билиш назарияси.

ЭКЛЕКТИК [p] Электизм тарафдори.

ЭКЛЕКТИК [p эклектический] Электизмга асосланган. Уларнинг [махистларнинг] назарияси, Энгельс ҳақли суратда нафрат билан айтган «бемаза эклектик атала» мануасидир. В. И. Ленин, Дунё элементларининг кашф этилиши. Бу бинолар эклектик архитектуранинг намуналарига ўхшаб қолган, дивалта жуда қимматга тушган. А. Бобохонов, Истиқболни ўйлаб.

ЭКЛЕКТИКЛИК I эклектик с. мажх. от.

2 айн. эклектизм.

ЭКЛИПТИКА [p < грек] астр. Ернинг йиллик ҳаракат йўли ўтадиган катта айлана. Осмон сферасида Кўёш маркази йил давомида силжиб борадиган катта айлана эклиптика деб аталади. «Астрономия».

ЭМКОҚ Ўсимлик уруғини, уруғликни ерга ташламоқ, сепмоқ, тикмоқ; ўсимлик тупини, кўчатини ўтказмоқ. Чигит эмоқ, Гул эмоқ, Қартошка эмоқ. Арпа эккан арпа олар, бугдой эккан бугдой олар. Мақол. Бирни кессанг, ўрни эк! Мақол. Бир туп тоқ эксанг, бир туп тоқ эк! Мақол.

ЭКОНОМ: эконоом қилмоқ с. т. тежамоқ, тежаб-тергаб сарф қилмоқ.

ЭКОНОМИЗМ [p < грек] сивс. 19 асрнинг охири 20 асрнинг бошларида рус социал-демократиясида пайдо бўлган,

ишчилар синфи фақат иқтисодий кураш олиб бориши, самодержавиега қарши сиёсий курашни эса буржуазияга қўйиб бериши керак, деб даъво қилган оп-портунистик оқим. «Экономизм» ишчиларни либералларга бўйсундирмоқчи бўлган буржуа оқими эди. В. И. Ленин, Авантюризм тўғрисида.

**ЭКОНОМИКА** [p < грек] 1 Бирор ижтимоий тузумнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи, ижтимоий тузумнинг базиси. Социализм экономикаси.

2 Бирор район, мамлакат, қитъа ва ш. к.нинг халқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолати. *Ўзбекистон экономикаси. Европа мамлакатлари экономикаси.* — *Маълумотлар қоникқарсиз ишланар экан, улар илмий мақсадлар учун, Россия экономикасини тушуниш учун мутлақо фойдасиз бўлиб қолиши мумкин, деса бўлади.* В. И. Ленин, Земство статистикаси вазифалари масаласига доир.

3 Ҳўжалик тармоқларининг моддий ва молявий томонларини ўрғанадиган фан. *ЎзССР Фанлар академиясининг экономика институти.*

**ЭКОНОМИСТ** [p] 1 Экономика фанининг, соҳасининг мутахассиси. *Қишлоқ ҳўжалиги бўйича экономист. Экономист олим. Экономист инженер.*

2 Экономизм тарафдори. *Экономистлар назарида одам «капиталист», «кичи» ва шу каби платонга ҳайлий тушунчага айланиб кетган.* В. И. Ленин, Эмпириокритицизм ва тарихий материализм.

**ЭКОНОМИЯ** [p < грек] 1 Моддий ва молявий бойликларни тежаш, тежаб-тергаб сарфлаш, иқтисод қилиш. *Экономия режими.* | Тежаш орқали ортирилган фойда, тежалган маблағ, бойлик, нарса, ашё. *Рационализаторлик тақлифлари туфайли олинган экономия.*

2 тар. Капиталистик типдаги йирик помешчик катта ҳўжалиги.

**ЭКРАН** [p < фр] 1 Тасвир тушириш учун мосланган сатҳ, юза; парда. *Кино экрани. Телевизор экрани.* — *Бу ёруғ уйнинг деразаси худди кино экранига ўхшарди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар. | *тех.* Турли энергетик нурланишларни ютадиган, акс эттирадиган ёки ўзгартириб берадиган қурилмаларнинг умумий номи. *Буғ қозонининг экрани. Рентген аппаратининг экрани. Радиолампа экрани.*

2 кўчма Кино санъати.

**ЭКРАНЛАМОҚ** *тех.* Экран билан таъмин қилмоқ, тўсмоқ. *Буғ қозонини экранламоқ.*

**ЭКРАНЛАНМОҚ** экранламоқ *фл. мажх. н.* Экранланган радиолампа.

**ЭКРАНЛАШТИРИЛМОҚ** экранлаштирмоқ *фл. мажх. н.* Экранлаштирилган драматик асар.

**ЭКРАНЛАШТИРИШ** экранлаштирмоқ *фл. иш оти.* Драмани экранлаштириш.

**ЭКРАНЛАШТИРМОҚ** Бадний асарни кинофильмга айлантирмоқ, шу асар асосида кинофильм яратмоқ. *Романни экранлаштирмоқ.*

**ЭКРАНЛИ** Экрани бор, экранга эга бўлган. *Кенг экранли кинотеатр. Экранли радиолампа.*

**ЭКСКАВАТОР** [p < лат] Ер кавлайдиган ва тупроқни чиқариб ташлайдиган ўзинорар машина. *Бир ковшли экскаватор. Экскаватор заводи.*

— *Зовур қазитган полвон — экскаваторнинг оғир чўмичи фил хартумидай баландга кўтарилиб тушмоқда.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ЭКСКАВАТОРЧИ** Экскаваторни бошқарувчи машинист.

**ЭКСКУРСАНТ** [p] Экскурсия қатнашчиси, экскурсиячи.

**ЭКСКУРСИЯ** [p < лат] 1 Музей, кўргазма, шаҳар ва ш. к. жойларни кўпчилик бўлиб бориб кўриш. *Экскурсияга чиқмоқ. Экскурсия автобуси. Экскурсия сафари.*

2 Экскурсия қатнашчилари гуруписи; экскурсантлар. *Экскурсия Самарқанд шаҳрига жўнаб кетди.*

**ЭКСКУРСИЯЧИ** Экскурсия қатнашчиси.

**ЭКСКУРСОВОД** [p] Экскурсантларни бошлаб юрувчи киши, экскурсия раҳбари.

**ЭКСПАНСИОНИЗМ** [p < лат] Агрессив экспансионистик сиёсат; экспансиячилик.

**ЭКСПАНСИОНИСТ** Экспансия тарафдори, экспансия сиёсатини юргизувчи; экспансиячи.

**ЭКСПАНСИОНИСТЫК** [p экспансионистский] Экспансияга қаратилган, экспансия руҳидаги. *Экспансионистик сиёсат.*

**ЭКСПАНСИЯ** [p < лат] Империалистик давлатларнинг, капиталистик монополияларнинг ўзга территория ва бозорларни, хомашё манбаларини босиб олишга, ўз сиёсат ва иқтисодий таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган агрессив сиёсати.

**ЭКСПАНСИЯЧИ** *айн.* экспансионист.

**ЭКСПАНСИЯЧИЛИК** *айн.* экспансионизм.

**ЭКСПЕДИТОР** [p < лат] Корхона, муассаса ва ш. к.да мол, товар, газета-журнал, хат-хабарлар тарқатиш ва олиб келиш билан шуғулланувчи ходим.

**ЭКСПЕДИЦИОН** [p экспедиционный] Экспедицияга оид, экспедицияга тааллуқли бўлган. *Экспедицион асбоб-ускуналар. Иттифокчиларнинг экспедицион ҳарбий кучлари.*

**ЭКСПЕДИЦИЯ** [p < лат] 1 Бирор мақсад билан уюштирилган сафар. *Илмий экспедиция. Ҳарбий экспедиция. Овчилик экспедицияси.*

2 Шу иш қатнашувчилари. *Экспедиция манзилга етди. Экспедиция раҳбари.*

3 Муассасанинг хат-қоғозларни юбориш, тарқатиш ва қабул қилиш билан

шуғулланувчи бўлими. *Газета экспедицияси. Экспедиция бошлиғи.*

**ЭКСПЕРИМЕНТ** [p < лат] Илмий тажриба; бирор илмий мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тажриба. *Биологик эксперимент. Илмий эксперимент. Эксперимент қилмоқ (ўтказмоқ).*

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ** [p экспериментальный] 1 Экспериментга оид. *Экспериментал иш. Экспериментал метод.* | Эксперимент ўтказиш учун мўлжалланган. *Илмий тегириш институтининг экспериментал базаси.* | Тажриба, синов учун мўлжалланган. *Экспериментал машина. Экспериментал комбайн.*

2 Экспериментга асосланган. *Экспериментал биология. Экспериментал физика.*

**ЭКСПЕРИМЕНТЧИ** Эксперимент ўтказувчи, эксперимент асосида тадқиқот олиб борувчи.

**ЭКСПЕРТ** [p < лат] Қийин ва чигал масалани ечиш учун чаққирилган мутахассис. *Суд экспертлари. Экспертлар комиссияси.* — *Эксперт иштирокида гўр очилди. Ундан йигирма ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, миқтисгина йигитнинг гавдаси қичди.* А. Исмоилов, Участка вакили.

**ЭКСПЕРТИЗА** [p < лат] Қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар ҳайъати. *Суд-медицина экспертизаси. Экспертиза хулосаси.* — *Тошмат шимининг чўнтагидан тиббий экспертиза справкасини чиқариб берди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ЭКСПЛУАТАТОР** [p < фр] Бошқаларнинг кучидан, меҳнатидан фойдаланувчи. *Эксплуаторлар синфи.* — *Болтабой қўл кўтарди.* — *Дин — эксплуатация қуроли. Ўша мамлакатларда ҳукумат эксплуататорлар қўлида.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЭКСПЛУАТАТОРЛИК** эксплуататор с. мавҳ. от. Эксплуаторлик қилмоқ.

**ЭКСПЛУАТАЦИОН** Эксплуатацияга, фойдаланишга оид, фойдаланиш, ишлатиш билан боғлиқ бўлган. *Эксплуацион бўлим. Эксплуацион сарф-харажатлар.*

**ЭКСПЛУАТАЦИЯ** [p < фр] 1 Киши кучидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг бошқалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши. *Эксплуатацияга асосланган.*

2 Фойдаланиш, ишлатиш. *Водопроводни эксплуатацияга тайёрламоқ. Янги қурилган заводни эксплуатацияга топширмоқ. Эксплуатация қилмоқ.*

**ЭКСПЛУАТАЦИЯЧИ** *айн.* эксплуататор.

**ЭКСПОЗИЦИЯ** [p < лат] 1 Адабий асарнинг асосий мавзудан олдин бўлиб ўтган воқеалар, шароит-вазаятларни акс эттирувчи муқаддима қисми; кириш. *Асарда воқеа ривожини бошлангунга қадар ижтимоий муҳитни,*

иштирок этувчи шахсларни, уларнинг ўзаро муносабатларини ва турмуш шaroитларини тасвирлаш экспозиция дейилади. «Адабиёт хрестоматияси».

2 Музыка асарининг асосий темасини тасвирловчи бошлангич қисми; муқаддима.

3 махс. Музей, кўргазма ва ш. к. да материалларнинг томошабинларга кўрсатиш учун маълум бир системада жойлаштирилиши ва шундай тартибда жойлаштирилган материаллар. Музей экспозицияси ҳозирги замон талаби даражасида тузилган. Ф. Хусайинова, Қўқон адабиёт музейида.

4 фото Кино санъатида ва фотографияда: суратга олиш пайтида ёруғлик сезувчи материалларга тушадиган ёруғликнинг миқдори.

**ЭКСПОНАТ** [р<лат] Музей ва кўргазмаларда намойиш қилинадиган нарсаси, экспозицияга қўйилган нарсаси. Музей экспонатлари. Қишлоқ хўжалик виставкасининг экспонатлари.

**ЭКСПОНОМЕТР** [р<лат] фото Фото-кино аппаратида экспозицияни аниқлаш учун хизмат қиладиган асбоб.

**ЭКСПОРТ** [р<ингл] эк. Чет элларга мол ёки капитал чиқариш ва чиқарилган мол, капитал миқдори; акси импорт. Экспорт қилмоқ.

**ЭКСПРЕСС** [р<лат] йўлда кам тўхтайдиган, тез юрадиган поезд, автобус, кема ва ш. к. Москва — Ленинград экспресси. Экспресс автобус.

**ЭКСПРОМТ** [р<лат] айн. бадиха. **ЭКСПРОПРИАТОР** [р<лат] Экспроприация қатнашчиси, экспроприация қилувчи, уни амалга оширувчи.

**ЭКСПРОПРИАЦИЯ** [р<фр] сисс. Бирор ижтимоий группа, синф ёки табақанинг бошқа ижтимоий группа, синф томонидан ишлаб чиқариш воситалари, мулк ва илгариги ҳуқуқларидан маҳрум этилиши; шу тартибда маҳрум қилиш, тортиб олиш, мусодара қилиш. Хусусий мулкни экспроприация қилиш.

**ЭКСТЕРН** [р<лат] ўқув юртида: ўқимасдан, мустақил тайёрланиб имтихон топирувчи киши. Мантабни экстерн тариқасида тамомламоқ.

**ЭКСТЕРНАТ** [р] Экстерн тариқасида имтихондан ўтиб ўқув юртини тамомлаш.

**ЭКСТЕРРИТОРИАЛ** [р экстерриториальный] Экстерриториаллик ҳуқуқига эга бўлган.

**ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК** юр. Халқаро ҳуқуқда: дипломатик вакилларга бериладиган имтиёз — дахлсизлик, маҳаллий судлар томонидан суд қилинмаслик ва ш. к.

**ЭКСТРА** [р<лат] Энг яхши, аъло (мол, товар нави ҳақида). Экстра чой.

**ЭКСТРАКТ** [р<лат] Экстракция йўли билан олинган модда, махсул. Олча экстракти.

**ЭКСТРАКТИВ** [р экстрактивный] Экстракция йўли билан олинган. Гўшт пишириляётганда ивиб қолувчи ёки ажралиб чиқувчи моддалар экс-

трактив моддалар деб аталади. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ЭКСТРАКЦИЯ** [р<лат] Спирт, бензол ва ш. к. эритувчи моддалар ёрдамида эритмадан, аралашмадан бирор таркибий қисмини ажратиб олиш. Мойни экстракция қилиш. Мой-ёғ комбинатининг экстракция цехи.

**ЭКСТРЕМИЗМ** [р<лат] сисс. Кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик.

**ЭКСТРЕМИСТ** [р] Экстремизм тарафдори, кескин фикр ва чораларни ёқловчи, амалга оширувчи.

**ЭКСТРЕМИСТИК** [р экстремистский] Экстремизмга оид, экстремизмга мойил бўлган. Экстремистик доиралар. Экстремистик талаблар.

**ЭКС-ЧЕМПИОН** [р] Собиқ чемпион. **ЭКТИРМОК** экмоқ фл. орт. н. Пахта эктирмоқ. Кўчат эктирмоқ.

**ЭКУВЛИ** 1 Экин экилган, экинли. Экувли ер.

2 Экин экса бўладиган, деҳқончилик учун яроқли.

**ЭКУВСИЗ** Экин экилмай қолган, экилмаган. Экувсиз ер.

**ЭЛ** 1 Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи. Қашқар эли. Тошкент эли. | Умуман халқ, халойиқ, одамлар. Эл тарқади. Ер тўймагунча, эл тўймамас. Мақол. Ери бойнинг — эли бой.

Мақол. — Бўлар иш бўлган, мени қиморбоз никоҳлаб олган эди. Отам эл лаънатида, юрт набомаида кўчага чиқолмай қолди — деди Ҳожини хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эл қатори ҳамма қатори, ҳамма одамлар билан бирдек, баравар. Эл қатори барвақт турмоқ. — Эл қатори аравада кетаверсин! — деди узил-кесил бой. Ойбек, Қутлуғ қон. Эл ётар пайт одамлар ётадиган пайт, кеч оқшом. Элдан бурун ҳаммадан бурун, ҳаммадан олдин, биринчи бўлиб. Элдан бурун отланган сиз эдингиз-ку .. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бир қабилага мансуб одамлар; қабила. Қипчоқ эли. Манғит эли. | Миллат, халқ. Қардош эллар. — Мамлакатим, гўё бир қароён, Қомунизм — порлоқ манзили. Бирга борар хур Ўзбекистон, Бирга урур элларнинг дили. Ё. Мирза.

3 Юрт, диёр, мамлакат. Чет эллар. Хар ким элида, ўрдак қўлида. Мақол. — Баҳор келди элимизга, Яшил тўн кийди дала. И. Муслим. Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, ошққанларим ширин бир ҳаёл эмиш! А. Қодирӣ, Утган кунлар.

◆ Эл бўлмоқ кимса билан ўз киши-сидек яқин, дўст бўлмоқ, чиқишмоқ. Асли душман эл бўлмас, этакни кессанг, енг бўлмас. Мақол. Томчи сел бўлмас, душман эл бўлмас. Мақол. Эл қилмоқ ўз киши-сидек яқин, дўст қилиб олмоқ. Зулайхо ўз яхшилиги билан уни [Давронни] менга эл қилган эди, орамизда пайдо бўлган хунук туғунни ечан эди. П. Қодиров, Қадрим.

**ЭЛ-АВЛОД**, элу авлод Эл ва авлод; элу халқ ва авлодлар.

**ЭЛ-АЙМОҚ**, элу аймоқ Эл ва аймоқ; элу халқ ва аймоқлар.

**ЭЛАК** Уң элаш учун ишлатиладиган тўр қопланган ёғоч гардишдан иборат уй-рўзгор асбоби. Сим элак. Қалин элак. Элакдан ўткамоқ 1) элаб тозаламоқ, эламоқ; 2) кўчма айн. элак-элак қилмоқ қ. элак-элак.

**ЭЛАҚИШМОҚ** 1 с. т. Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ; элиқишмоқ.

2 Тегажоглик қилмоқ, ҳазиллашмоқ. Мен билан элақишма.

**ЭЛАКЧИ** Элак ясовчи уста.

**ЭЛАК-ЭЛАК**: элак-элак қилмоқ синчиклаб текширмоқ; бирма-бир қараб текшириб чиқмоқ.

**ЭЛАМОҚ** 1 Элакдан ўткамоқ, элакдан ўтказиб тозаламоқ. Бостирмада Зиёдаҳон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон. Элаб ёғмоқ шиғаб ёғмоқ, тўхтовсиз ёғиб турмоқ. Тўй арафасида кўни билан қор ёғди, шундай элаб ёғдики, кўзларни очирмай қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 (фақат бўлишсиз ф-да) кўчма Эътибор бермоқ, аҳамият бермоқ, назар-писанд қилмоқ. Зебиҳон ўзига муносиб ишга изларди. Оёғи тағида ўралашаётганларни писанд қилмас, йўлини тўсиб, йиғлаб дардини айтадиганларни эламас эди. С. Аҳмад, Уфқ. Қизлархон майда-чўйда сағни эламасди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

3 кам қўлл. айн. тебратмоқ. Отаси бошини элаб:— Йўқ, дурустроқ эслаб кўр, ўғлим,— деди.

**ЭЛАНМОҚ** 1 эламоқ 1 фл. мажҳ. ва йўл. н. Эланган ун. — Замон тебранган сайин у мислсиз зўр ғалвирда эланаётган бугдойнинг жиридай четга чиқади. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 диал. Ялинмоқ, ёлвормоқ, илтижо қилмоқ. Номарға эланма. — Июнь-июль ойларида кўпроқ механизаторларга эланганмиз, энди бўлса ҳосилмизнинг тақдири сувчилар қўлида. Р. Раҳматов, Қолхоз отахони.

**ЭЛАН-ҚАРАН** рви 1 Тонг отгандан анча кейин; аллавақтда, алла-паллада. Эртаси улар [қизлар] элан-қаран туришди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Шошмасдан, бафуржа. Маҳбуба опа йўлда анча алаҳиб, уйига элан-қаран кириб борса, меҳмонлар ҳозиргина кетиб қолишибди. Х. Назир, Маёқ сари.

**ЭЛАРО** Халқ ичида, одамлар орасида. Бевафалик ошкор эткунча тўқкил қонини, Эларо элимизнингни дoston айлаб кетай. Ҳамза.

**ЭЛАСТИК** [р<грек] Чўзилувчан, эгилювчан, қайишқоқ модда, чўзиб қўйиб юборилганда тез ўз ҳолига қайтадиган материал, мас. резинка.

**ЭЛАСТИК** [р эластичный] Қайишқоқ, чўзилувчан, эгилювчан. Эластик жисмлар. Эластик материал.

**ЭЛАС-ЭЛАС** рви Ғира-шира; били-



нар-билинмас даражада. *Элас-элас кўринмоқ.* Элас-элас қулоққа чалинган товуш. — Қаердадир, чапроқда Фарғона водийси кўкиш туман ичидан элас-элас кўринарди. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. | Аранг, зўрга, эс-эс. Тушида кўргандай элас-элас хотирлайди. А. Қаххор, Сароб.

**ЭЛАТ** 1 Кишиларнинг миллат шаклига келмасдан олдинги тарихий бирлиги. СССРнинг узоқ Шимолида яшовчи элатлар.

2 Эл, эл-халқ, қабила. *Қайси юртда қолди ўсган элатинг? Аҳолинидан хабар бергин беқотим.* «Муродхон».

3 Бир жойли ёки бир қабилага, уруғга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *Бу киши менинг элатим.* — Элатлар маҳорка ўраб ҳузури билан торта бошладилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳа, элат, ётоққа ҳаммадан илгари қирадиган одатингиз йўқ эди, нима бўлди? В. Ғофуров, Вафодор.

4 Юрт, днёр; мамлакат. *Эл севган киши элатга оқсоқол бўлади.* Мақол. — Мен ўсам сенки Жамбил элатим. Ҳарна борим, бари аркон давлатим. «Равшан».

**ЭЛАТДОШ** айн. элат 3. Олтмиш тўртга кирганда қари ёшим, Ғамларга чулғанди қариган бошим, Ўлсам беҳусобдир у элатдошим. «Эрали ва Шерали».

**ЭЛАТЛИК** 1 элат с. белги оти.

2 Элатларча ҳамжихатлик; элатларга хос ўзаро муомала, муносабат. Баҳромгул пари Авазнинг каттакон ёри, унинг тарзига қараб, ғамгин бўлиб, кўзидан ёши оқиб, элатлик қилиб бир сўз деди. «Зулфизар билан Авазхон».

**ЭЛАТМОҚ** эламоқ фл. орт. н. Ун элатмоқ.

**ЭЛАТЧИЛИК** айн. элатлик 2. Ой-жамол айтди: ўз элимизда бир одам «қиз меники» деб, эшигимизни шупурган эди. Элатчилик, бировга беролмай шунга бойланиб турибди. «Ёдгор».

**ЭЛАШИМЛИ** Элақдан яхши ўтадиган, элаб бўладиган.

**ЭЛБЕГИ** эск. Эл, элат бошлиғи, сардор. Девона, ўртанган жоним куйдирма, Элбеги қандайин ёзган қул бўлди. «Фольклор».

**ЭЛБУРУНДАН** с. т. Ҳаммадан бурун, ҳаммадан олдин, биринчи бўлиб, элдан бурун.

**ЭЛДОШ** Бир жойли ёки бир элга, қабилага мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). Йўлчиларга йўлдош, элдошларга қўлдош. Мағал. — Убайдуллаҳ ўжа аълам шикоятчи бойларнинг .. элдошлари олдидан обрў учун курашганларини англади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЭЛЕВАТОР** [р < лат] 1 Ғаллани қабул қилиш, тортиш, қуришти, элаш, юклаш механизмлари билан жиҳозланган махсус ғалла омбори. Тошкент элеватори. Теширмон элеватори.

2 тех. Сочилувчан ёки донали юкларни кўтарувчи машина, механизм

ёки механизмнинг бир қисми. *Линотип элеватори. Ковили элеватор.*

3 тех. Иситиш системаларида совиб қайтган суви иссиқ сув билан араштириш учун хизмат қиладиган мослама.

**ЭЛЕКТР** [р электричество <грек] 1 Зарядланган заррачаларнинг (электрон, протон ва бошқаларнинг) ўзаро таъсири ва ҳаракати натижасида рўй берган физик ҳодисалар мажмуи; шу ҳодисалар туфайли юзага келадиган энергия турларидан бири. *Мусбат электр. Манфий электр. Электр токи. Электр қуввати. Электр лампаси.* || *Электр қўнғироқ.*

2 с. т. Ток қуввати билан ёнадиган лампа. *Қора чироқ ёқмайман, Электрлар турганда, Дангасага тегмайман, Ударниклар турганда.* «Кўшиқлар».

**ЭЛЕКТРИК** [р] айн. электротехник.

**ЭЛЕКТРИК** [р электрический] Электрга, электр энергиясига оид; электр энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган ёки электр ишлаб чиқарадиган. *Электрик ҳодиса. Электрик асбоб.*

**ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯ** [р < грек + лат] Электр энергияси билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва бутун хўжаликни электр энергиясидан кенг миқёсда фойдаланишга ўтказиш; электрлаштириш.

**ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯЛАМОҚ** айн. электрлаштирмоқ.

**ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯЛАНМОҚ** электрфикацияламоқ фл. мажх. н.

**ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯЛАШ** электрфикацияламоқ фл. иш оти; айн. электрфикация.

**ЭЛЕКТРИЧКА** [р] Электр кучи билан юрадиган поезд. | Электрлаштирилган темир йўл (яъни поездлари, излари, станциялари ва ш. к.). *Бир ой ичида орттирган ошна-оғайни ҳам электрчкагача кузатиб чиқади.* Ойдин, Сухбати жонон.

**ЭЛЕКТРЛАМОҚ** Электр заряди бермоқ, зарядламоқ. *Ўтказгични электрламоқ.*

**ЭЛЕКТРЛАНМОҚ** электрламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Электрланган шар.

— Электр майдонининг электрланган жисмларга таъсир қиладиган кучлари электр кучлари деб аталади. «Физика».

**ЭЛЕКТРЛАШ** 1 электрламоқ фл. иш оти. *Ҳаво ва газларни электрлаш.*

2 эск. айн. электрификация.

**ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚ** электрлаштирмоқ фл. мажх. н. Электрлаштирилган темир йўл.

**ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ** электрлаштирмоқ фл. иш оти; айн. электрификация. *Мамлакатни электрлаштириш. Электрлаштириш плани.* — Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир. В. И. Ленин, Бизнинг ташқи ва ички аҳволимиз ва партиянинг вазифалари.

**ЭЛЕКТРЛАШТИРМОҚ** Электр энергияси билан таъминламоқ; ишлаб чиқариш ва бутун хўжаликни электр

энергиясидан кенг миқёсда фойдаланидиган қилмоқ. *Қишлоқни электрлаштирмоқ. Саноатни электрлаштирмоқ.* | Электр билан ишлайдиган қилмоқ. *Моделлни электрлаштирмоқ.*

**ЭЛЕКТРЛИ** Электр билан таъминланган. *Қирга кетди қўйимиз, Кузда бўлар тўйимиз. Жин чироқни иргитдик, Электрли уйимиз.* «Кўшиқлар».

**ЭЛЕКТРОБЎР** [р] Электр кучи билан пармалайдиган агрегат, электр бурғи.

**ЭЛЕКТРОВЎЗ** [р] Электр кучи билан ишлайдиган локомотив.

**ЭЛЕКТРОД** [р < грек] физ. Суяқлик ёки газга электр ўтказиш учун ишлатиладиган пластинка, стержень, шар ва ш. к. шаклидаги ўтказгич. *Мусбат электрод. Манфий электрод.* — Агар эритма орқали ток ўтказилса, эритмага туширилган пластинкалар — электродлар газ пуфакчалари билан қоплана бошлайди. «Химия». | Электр билан пайвандлаш ёки кеснида ишлатиладиган қисмларга ток ўтказадиган деталь.

**ЭЛЕКТРОДИНАМИК** [р электродинамический] Электродинамикага оид. *Электродинамик ҳодиса.*

**ЭЛЕКТРОДИНАМИКА** [р < грек] Физиканинг ҳаракатланувчи электр зарядлари хоссаларини ва ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ЭЛЕКТРОДЎЙКА** [р] 1 Сигир соғиш учун ишлатиладиган электр асбоб. *Ургиллай, дугонажон-эй, Тошкентдан олиб келган электродўйкамиз нақ одамнинг жони экан.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

2 Шундай асбоб билан сигир соғиш.

**ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАММА** [р] Юрак тешишининг электрокардиограф воситасида ёзиб олинган график тасвири.

**ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФ** [р] Электрокардиография усулида ишлатиладиган медицина асбоби.

**ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИЯ** [р < грек] Юракнинг тешиши натижасида ҳосил бўладиган электр импульсларни график тарзда қайд этиб юракнинг аҳволини текшириш усули.

**ЭЛЕКТРОЛИЗ** [р < грек] хим. Туз ёки кислоталарнинг эритмасидан электр токи ўтаётганда эритманинг таркибий қисмларга ажратилиш процесси. *Электролиз цехи. Электролиз усули билан соф металл ҳосил қилмоқ.*

**ЭЛЕКТРОЛИТ** [р < грек] хим. Электр токи ўтказилганда таркибий қисмларга ажраладиган химиявий модда.

**ЭЛЕКТРОЛИТИК** [р электролитический] Электролизга оид. *Электролитик процесс.* | Шундай йўл билан олинадиган. *Электролитик мис.*

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ** [р < грек] Устига ўралган изоляцияланган сим орқали ток ўтказилганда магнитланадиган темир ёки пўлат парчаси, темир ўзақли сим ўралган ғалтак.

**ЭЛЕКТРОМЕТР** [р] физ. Зарядлан-

ган жисмларнинг потенциалларини ўлчайдиган асбоб.

**ЭЛЕКТРОМЕТРИЯ** [p<грек] физ. Электрга, электр ходисаларига оид катталикларни ўлчаш усуллари мажмуи.

**ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА** [p] Электромеханика мутахассиси.

**ЭЛЕКТРОМЕХАНИК** [p] электромеханический] Электрик ва механик таъсирга асосланган. *Электромеханик мослама.*

**ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА** [p] Электротехниканинг электр энергияси билан ишлайдиган, электр двигателлар, электр машиналар ва механизмларни қуриш ва улардан фойдаланиш назариyasi ва практикаси билан шуғулланадиган бўлими.

**ЭЛЕКТРОМОНТЁР** [p] Электр тармоқлари ва асбоб-ускуналарини ўрнатиш, ишга солиш ҳамда улар устидан назорат қилиб туриш иши билан шуғулланувчи ишчи-мутахассис.

**ЭЛЕКТРОМОТОР** [p<грек+лат] Электр мотори, электр двигатели; электр энергиясини механик энергияга айлантирадиган машина.

**ЭЛЕКТРОН** I [p<грек] Атомнинг манфий электр зарядига эга бўлган элементар заррачаси.

**ЭЛЕКТРОН** II Магнийга бир оз алюминий, рух ва марганец қўшилишидан ҳосил бўладиган енгил қайишқоқ қотишма.

**ЭЛЕКТРОН** III [p электронный] I Электронга оид (қ. электрон I). *Электрон қобик.*

2 Электронлар хусусиятидан фойдаланадиган. *Электрон лампа. Электрон ҳисоблаш машинаси. Электрон назария* жисмлар мусбат ва манфий зарядланган зарралардан тузилган деб қарайдиган ва моддаларнинг электр ҳамда магнит хоссаларини шу асосда классик электродинамика қонунларига таяниб ёритадиган назария.

**ЭЛЕКТРОН** IV [p электронный] Электрондан қилинган, электронли (қ. электрон II). *Электрон деталь.*

**ЭЛЕКТРОНИКА** [p] Физиканинг электрон процессларни ўрнанадиган бўлими, шунингдек, техниканинг электрон мосламалар ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш билан боғлиқ соҳаси.

**ЭЛЕКТРОНЛИ** айн. электрон IV.

**ЭЛЕКТРОСВАРКА** [p] Металларни электр токи ёрдамида пайвандлаш.

**ЭЛЕКТРОСКОП** [p<грек] Жисмларнинг электрланганлигини билиш учун ишлатиладиган содда асбоб.

**ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ** [p] Электр токи ишлаб чиқарадиган корхона. *Колхоз электростанцияси.*

**ЭЛЕКТРОСТАТИК** [p электростатический] Электростатикага оид, электростатика ходисаларидан фойдаланишга асосланган. *Электростатик майдон. Электростатик генератор.*

**ЭЛЕКТРОСТАТИКА** Физиканинг мувозанатдаги электр зарядлари хосса-

ларини ва ўзаро таъсирини ўрнанадиган бўлими.

**ЭЛЕКТРОТЕХНИК** [p] Электротехника мутахассиси.

**ЭЛЕКТРОТЕХНИК** [p электротехнический] Электротехникага оид; электр асбоб-ускуна ва машиналарни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш техникасига доир. *Электротехник саноат.*

**ЭЛЕКТРОТЕХНИКА** [p] Электр энергиясидан амалий мақсадларда фойдаланиш йўллари ва усуллари ҳақидаги фан. *Электротехникадан иштихон бермоқ.* | Техниканинг электр асбоб-ускуна ва машиналарни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғланган соҳаси. *Электротехника саноати.*

**ЭЛЕКТРОХИМИЯ** [p электрохимический] Электрохимияга оид; электрохимия ходисаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. *Электрохимик метод.*

**ЭЛЕКТРОХИМИЯ** [p] Физик химиянинг моддаларда электр токи таъсирида содир бўладиган химиявий ходисаларни, шунингдек химиявий процесслар натижасида электр токнинг юзага келишини ўрнанадиган бўлими.

**ЭЛЕКТРПАЙВАНД** [p<грек+ф-т] Электр токи ёрдами билан металларни пайвандлаш, бириктириш; электросварка.

**ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИ** Металл конструкцияларнинг қисмларини электр ёрдамида пайвандлайдиган, улайдиган, бириктирадиган ишчи.

**ЭЛЕКТРЧИ** с. т. I Электромонтёр.

2 Электротехник.

**ЭЛЕМЕНТ** [p<лат] I хим. Химиявий усуллар билан таркибий қисмларга ажратилмайдиган модда (ҳозирги вақтда юздан ортиқ элемент маълум). *Нодир элементлар. Радиоактив элементлар.*

2 Бир бутунни ташкил этган мураккаб нарсанинг ёки ҳодисанинг таркибий қисми. *Иншоот элементлари. Пьесадаги драматизм элементлари.*

3 Бирор ижтимоий гуруҳга мансуб киши, бирор ижтимоий группа намоиядаси; унсур. *Жамиятнинг прогрессив элементлари. Реакцион элементлар.*

■ *Ҳар қандай жонли ва ривожланиб борувици партияда ҳамма вақт чидамсиз, бекарор, иккиланувчи элементлар бўлишини эсиниздан чиқарманг.* В. И. Ленин, Партияни қайта тузиш тўғрисида.

4 Химиявий реакция ҳисобига электр токи ҳосил қиладиган ток манбаи. *Гальвани элементи. Куруқ элемент.*

**ЭЛЕМЕНТАР** [p элементарный] I Ибтидоий, бошланғич. *Элементар математика. Элементар маълумот. Агротехниканинг элементар қондалари.*

2 Содда; жуذا осон, оддий. *Элементар масала.*

3 физ. Энг кичик, энг майда. *Элементар зарра.*

**ЭЛИК** айн. ёғупа. [Мунаввар] оқ рўймолчадаги қизил элик доғларини йўлдошини тумшугининг тагига тутди: — Бу қайси оймичанинг лабидан юққан? С. Анорбоев, Мехр.

**ЭЛИҚШИМҚОҚ** эликмоқ фл. бир. н. Болалар синфдан синфга ўтган, воёга етган сари бир-бирига элиқишиб, ораларидан қил ҳам ўтмайдиған даражада иноқлашиб боришарди. А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибоев, Оташ қадбли қиз.

**ЭЛИҚМОҚ** I Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ, иноқлашмоқ. *Биз бора-бора бир-биримизга шу қадар элиқиб, ўрганиб қолдикки, асло ажралгимиз келмасди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

2 Ёпишмоқ, илақишмоқ, эргашиб юрмоқ. *Рўзимухаммад Зинаидага элиқиб, унинг орқасидан гоҳ у хонага чопар, гоҳ бу хонага кирар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЭЛИҚТИРМОҚ** эликмоқ фл. орт. н.

**ЭЛИМОҚ** Ланж бўлмоқ, бўшашмоқ. *Аблаҳ ... деб шивирлади ва булут босиб турган дым ҳавода аста элиб, пинакка кетди.* А. Мухтор, Туғилиш. | *Маст бўлмоқ, маст бўлган каби мудрамоқ. Бешиқдаги Учқун .. Тозаулнинг бешиқни бир меъёрда равоқ тебратишига элиди-да, ниҳоят, кўзларини юмиб пишиллаш бошлади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ЭЛИТ** [p элита<фр] Сара, энг яхши, сараланган. *Элит уруғлик. Элит қорамол. Элит хўжалик* энг яхши уруғлик ёки зотли молларни етиштириш билан шуғулланадиган қишқоқ хўжалик муассасаси, станцияси.

**ЭЛИТМОҚ** эликмоқ фл. орт. н.

**ЭЛЛАМОҚ** диал. Қопламоқ, босмоқ, тутмоқ. *Холвайтарнинг ҳиди бутун мадрасани эллади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЭЛЛИГИНЧИ** I тартиб сон Тартиб ўрни 50 рақами билан белгиланган, 50 номерли. *Эллигинчи уй. Эллигинчи йил.*

2 Ўлчами, катта-кичиклик номери эллик бўлган. *Эллигинчи пальто.*

**ЭЛЛИК** I снқ сон 50 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Эллик яшар одам. Эллик гектар ер. Оғирлиги эллик килограмм келадиган юк. Беш карра ўн эллик бўлади. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор. Мақол. Эллик боши айн. эллиқбоши.*

**ЭЛЛИК** II с. т. I Эшли, сербар.

2 айн. эшли 2. *Кўпдан қутулган қор тўрт эллик ёғиб, томларни оқартирган эди.* Ойбек, Навоий. *Икки эллик хат қисқа мактуб.*

**ЭЛЛИК** III Бирор элга мансуб бўлган. *Чет эллик меҳмон. Чет эллик турист.*

**ЭЛЛИҚБОШИ** тар. I Ўрта асрларда: қирқ-эллик отлик асқар бошлиғи. 2 Революциядан илгари: Ўрта Осиё хонлиқларида кийик амалдор, оқсоқол. *Бир қўни маҳаллақизнинг эликбошиси шаҳарга бориб келиб «аканг осилди, ўз кўзим билан кўрдим», деди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЭЛИПС** [*p* < *грек*] *мат.* Конус ёки цилиндрни унинг ўқига қия бўлган текислик билан қирққанда ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизиқ ва шундай шаклдаги нарса.

**ЭЛИПСОИД** [*p* < *грек*] *мат.* Эллипснинг ўз ўқларидан бири атрофда айланишидан ҳосил бўладиган геометрик сирт.

**ЭЛЛИПТИК** [*p* эллиптический] Эллипс шаклидаги. *Эллиптик шакл. Эллиптик орбита.*

**ЭЛ-МАРДУМ** Эл ва мардум, эл-халқ, одамлар. *Уят эмасми?! Шунча эл-мардумнинг ичида мен фалончица тегаман деб ота-онани ера қаратиб қўйишга? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**ЭЛМА-ЭЛ** *рви* Мамлакатдан-мамлакатга, элдан-элга, юртма-юрт. [Бектемир] *Европада элма-эл судралиб юриб ризқини терди, икки соғлом қўлидан бўлак таянчи йўқ эди. А. Мухтор, Чинор.*

**ЭЛНАВКАР** *айн.* навкар.

**ЭЛОВСИЗ** *рви, диал.* Эътибор берилмай, эътибордан четда. *Қўндан эловсиз ётаган Ҳайбатли чайир тўнка. Дадамнинг ҳам кучлари Етмаган экан унга. К. Муҳаммадий.*

**ЭЛОВСИРАМОҚ** *диал.* Уйқусирамоқ, довдирамоқ. *Бўрибой ёнбошига ағдарилди-да, эловсираб боққа кўз югуртирди. Х. Назир, Ўтлар туташган-да.*

**ЭЛОВСИРАНМОҚ** эловсирамоқ *фл.* ўзл. н. *Жаниш .. телба кишидай эловсираниб қолди. Х. Шамс, Душман.*

**ЭЛОМОН** *диал.* Тунги қоровул, соқчи.

**ЭЛПАРВАР** *айн.* халқпарвар.

**ЭЛСЕВАР** I Элни, халқни севадиган, яхши кўрадиган, ватанпарвар.

2 Дўстликни яхши кўрадиган; дўстона. *Элсевар ўзбек халқи.*

**ЭЛТИЛМОҚ** элтмоқ *фл.* мажх. н. *Отабек бу ҳола тушулмади, чунки аҳёнда бир осиладиган гуноҳкор эски намозгоҳ дорига элтилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЭЛТМОҚ** I Олиб келмоқ, олиб бормоқ; олиб кетмоқ, келтирмоқ, ташимоқ. *Болани боғчага элтиб қўймоқ. Хат-газеталарни обуначиларга элтмоқ. Молни чет элларга элтиб сотмоқ. Оғир тошини сув элтмас. Мақол. — Челақни шу ерга қўйинг Гулнор, сувни мен ўзим элтаман. Ойбек, Қутлуғ қон. Жафо тиғи букун жондан ўтади. Мени айёр шу кулфатга элтади. «Рустам».*

2 Сифдирмоқ; кетмоқ. *Челақ ўн литр сув элтади.*

**ЭЛ-УЛУС** Эл-халқ, эл-юрт.

**ЭЛ-УРУҒ** Эл ва уруғ; эл-халқ ва уруғ-аймоқлар.

**ЭЛФУРУШ** Ўз элини, ватанини сотувчи; ватанфуруш, сотқин.

**ЭЛ-ХАЛҚ**, элу халқ Эл ва халқ, одамлар. | Юрт, мамлакат.

**ЭЛЧИ** I *дип.* Дипломатик вакилларнинг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. *Ру-*

*миниянинг СССРдаги элчиси. Элчи дахлизлик ҳуқуқида эа.*

2 *тар.* Шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши. *Элчилар ёғилдилар, катта ғавго қилдилар. Х. Олимжон. Элчи пошшонинг чуқур маъноли гапига қойил қолиб, таъзим қилди. «Латифалар».*

3 *кўчма* Дарак берувчи нарса, белги. *Қиш элчиси — қарғалар қағиллай бошлади.*

4 *ҳарб.* Урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили. *Элчиға йлим йўқ. Мақол.*

**ЭЛЧИЛИК** I I элчи с. маъх. от. 2 *дип.* Бирор давлатга бошқа давлат томонидан махсус топшириқ билан юборилган делегация, миссия.

**ЭЛЧИЛИК** II I Бирор элга, халққа хос расм-русум, тартиб-қоидалар; халқчилик. *Элчилик, хафа бўлмайсиз.*

2 Қариндошлик, қариндош-уруғлик. *Рисолатойни аввал тахтага олиб қарасам, Рустамбек билан икковининг орасида озина элчилиги бор экан. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**ЭЛЧИХОНА** *дип.* I Бир суверен давлатнинг суверен давлат ҳукумати қошидаги дипломатик ваколати. *Лондондаги совет элчихонаси. Элчихона ходимлари.*

2 Шу ваколат жойлашган бино. *Элчихонага бормоқ.*

**ЭЛ-ЭЛАТ** Эл ва элат(лар).

**ЭЛ-ЮРТ**, элу юрт Эл ва юрт, эл-халқ, одамлар.

**ЭМ** I «М» ҳарфининг номи.

**ЭМ** II I Чечак ва баъзи бошқа касалликларнинг олдини олиш учун тери орқали юбориладиган сиворотка ва уни тери орқали юбориш.

2 Дори, дори-дармон; умуман шифобахш нарса. *Доктор сақлаб қолди йлим чангалидан, Эми билан соғайдим отдай. О. Юнус. Эм бўлмақ (ёки тушмоқ) кор қилмоқ, шифо бўлмақ; қолдирмоқ (оғриқни). Дори эм бўлди. — Мол деган нозик бўлади. Ҳарна кинна эм тушган бўлсин. А. Мирахмедов, Қулган чечаклар.*

**ЭМАҚДОШ** I *эск.* Ҳамкасб, коллега. 2 *айн.* ходим. *Адабий эмақдош.*

3 *айн.* эмикдош. *Мендан аввал ўлмасин эмақдошим .. Жаллод, шудир сенга айтган нолишим. «Ширин билан Шакар».*

**ЭМАҚЛАМОҚ** Икки қўл кафти ва икки тизза билан юрмоқ; ўрмаламоқ. *Бола эмақлаб юрибди. Солдатлар эмақлаб бориб истеҳкомга яқинлашди. — Баланд том устида эмақлаб юриб, тунукачилар тунука қоқардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЭМАҚЛАШМОҚ** эмақламоқ *фл.* бирг. н. *Не ботирман деганлар туломай эмақлашиб, бари бирдан чувлашиб қолди. «Равшан».*

**ЭМАЛЬ** [*p* < *фр*] I *айн.* сир II 2, 3. *Эмали кўчган кастрылька.*

2 Тишнинг қаттиқ ялтироқ қопламаси. *Эмаль тишни сақлайди.*

**ЭМАН** Ёғочи оқиш ва жуда қаттиқ,

кенг япроқли, жигарранг узунчоқ ҳосилали дарахт; дуб. *Эман дарахтининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани. Мақол. || Эман стол.*

**ЭМАНЗОР** Эман дарахтлари билан банд бўлган ер.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** [*p* < *лат*] Озод бўлиш, озод қилиш, қутулиш; озодликка чиқиш, озодликка чиқариш. *Хотин-қизларни озод қилиш, яъни эмансипация деган гап Англияда ҳам, Францияда ҳам, барча мамлакатларда кўндан бери бор. А. Мухтор, Авангарднинг шонли сафида.*

**ЭМАС** эмоқ *фл.* сфтиди *Инкор, рад маъносини билдиради. Яхши эмас. Борган эмасан. Ҳеч гап эмас. Уша киши эмасикин? — Хизматкор — қул эмас. Ойбек, Қутлуғ қон. Йўқ эмас бор; бўлиши мумкин.*

**ЭМБАРГО** [*p* < *исп*] Чет эл товарларини киритиш ёки олиб чиқиш кетиши давлат томонидан тақиқлаш ёки чет давлатга қарашли мулк (кема, қуроллар)ни вақтинча тўхтатиб туриш, тақиқ, тақиқлаш.

**ЭМБЛЕМА** [*p* < *грек*] I Бирор гоё ёки тушунчанинг шартли ёки символик белгиси, рамзи. *Уроқ ва болға — ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг эмблемасидир.*

2 Бирор ташкилот, уюшма ва ш. к.нинг белгиси.

**ЭМБРИОЛОГ** [*p*] Эмбриология олим, мутахассиси.

**ЭМБРИОЛОГИК** [*p* эмбриологический] Эмбриологияга оид.

**ЭМБРИОЛОГИЯ** [*p* < *грек*] Биологиянинг одам, хайвон ва ўсимлик эмбрионлари ўсишини ва ривожланишини ўрганадиган бўлими.

**ЭМБРИОН** [*p* < *грек*] *биол.* Одам, хайвон ёки ўсимликнинг пушти, муртаги; гумона (бачадондаги); куртак (урудага).

**ЭМБРИОНАЛ** [*p* эмбриональный] Эмбрионга оид. *Эмбрионал ривожланиш. | Эмбрион, гумона, куртак ҳолидаги; бошланғич. Эмбрионал ҳужайра.*

**ЭМҒАҚ** *диал.* I *айн.* меҳнат.

2 Заҳмат, қийинчилик. *Эмгак чекмоқ.*

**ЭМҒАҚЧИ** *диал.* Меҳнат қилувчи; меҳнаткаш, ишчи.

**ЭМДИ** с. т. Энди.

**ЭМДИРМОҚ** эммоқ *фл.* орт. н. *Сигир боласини эмдирмайтти.*

**ЭМИГРАНТ** [*p* < *лат*] Ўз ватанини тарк этиб бошқа мамлакатга кетиб қолган одам; муҳожир. *Сиёсий эмигрант. Оқ эмигрантлар.*

**ЭМИГРАЦИЯ** [*p* < *лат*] I Бошқа мамлакатга кўчиб кетиш. *Эмиграция қилмоқ.*

2 Шу мамлакатдаги ҳаёт. *Эмиграцияда яшамоқ. — В. И. Ленин эмиграция даврида 1917 йилнинг апрелигача чет элда яшади. «КПСС тарихи».*

3 Бошқа мамлакатдаги муҳожирлар, эмигрантлар.

**ЭМИ-ДИМИ** этн. Қинна солиш ва бошқа дуо, қоқиқ-суқуқлар билан даволаш. **Эми-дими қилмоқ.**

**ЭМИЗГИЧ** Бола, кўзичоқ ва ш. к.ни эмизши учун ишлатиладиган сўргичли идиш. *Болага эмизгич билан сут бермоқ. Тойчани эмизгич билан боқмоқ.*

**ЭМИЗДИРМОҚ** эмизмоқ фл. орт. н. *Етим кўзини оч қолдиргим келмади. Ночор, ўша итга эмиздириб катта қилган эдим.* «Эртақлар».

**ЭМИЗИҚ** Эмизгичнинг оғизга олиб сўриладиган резинка қисми.

**ЭМИЗИҚЛИ** I Бола эмизадиган, эмадиган боласи бор. *Эмизлик хотин. Эмизлик кўйларни парварши қилиш.*

2 Эмадиган, кўкракдан ажралмаган. *Эмизлик бола.*

**ЭМИЗИЛМОҚ** эмизмоқ фл. мажҳ. н.

**ЭМИЗМОҚ** эймоқ фл. орт. н. *Бола-ни эмизмоқ.* — Эргашнинг онаси акам-ни эмизган. Айний, Эсдалиқлар.

**ЭМИЗУВЧИ** эмизмоқ фл. ш. оти. *Эмизувчи хотин.*

**ЭМИҚДОШ** Бир онани эмишган (ака-ука, ака-сингил, опа-сингил). *Бир сингил бор менинг билан эмиқдош, Сингилма арзимни етказ, ёлғиз ғоз.* «Алпомиш».

**ЭМИЛМОҚ** эймоқ фл. мажҳ. н.

**ЭМИССИОН** I [р эмиссионный] фин. Эмиссияга оид; қимматли қоғозлар, қоғоз пуллар чиқарадиган ва уларни ишга соладиган. *Эмиссион банк.*

**ЭМИССИОН** II [р эмиссионный] физ. Эмиссияга оид, эмиссия ҳодисаси билан боғлиқ бўлган. *Эмиссион процесс.*

**ЭМИССИЯ** I [р<лат] фин. Пул ва қимматли қоғозлар чиқариш.

**ЭМИССИЯ** II [р<лат] физ. Жисмлар сиртидан зарраларнинг отилиб чиқиши, чиқарилиши, сочилиши. *Термоэлектрон эмиссия.*

**ЭМИШ** эмоқ фл. сфтиш От ва феъл формалари билан келиб, уларга ҳар хил модал маънолар беради. *Тушишда бутун дунёни сув босган эмиш.* — Султон ҳазратларининг ўзлари ҳам оташ нафас шоир эмишлар. Ойбек, Навоий.

**ЭМИШМОҚ** эймоқ фл. бирг. н. *Эмишган ака-ука.*

**ЭМЛАМОҚ** I Юқумли касалликларнинг олдини олиш учун одам ёки ҳайвон организмга тери орқали сиворотка юбормоқ. *Чечакка қариш эмламоқ. Тифга қариш эмламоқ. Мактаб болаларини эмламоқ.*

2 эск. Қинна, дуо ва бошқа қоқиқ-суқуқлар билан даволамоқ. *Саройбон бир қайроқни унга буғаб олиб келиб, Некқадамнинг бошига суртиб, эмлаб: — Бой ака! Қулингизнинг боши тошдан бўйсин,—деди.* Айний, Қуллар.

**ЭМЛАНМОҚ** эмламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Ҳамма болалар эмланди. Эмланадиган дори.*

**ЭМЛАТМОҚ** эмламоқ фл. орт. н. *Тифга қариш эмлатмоқ. Болаларни эмлатмоқ.*

**ЭММОҚ** I Эмчакдан ёки сўргичдан сут сўриб ичмоқ. *Кўзичоқ онасини эм-*

*май қўйди. Яхши бузоқ икки онани эмади. Мақол.* — Энангни ийдириб эмгин, *Бойчибор!* «Алпомиш». *Оч чақалоқ соғинган маммасини апил-тапил эма бошлади.* X. Ғулум, Машъал.

2 *кўчма* Ўзига сингдирмоқ, олмақ; бахраманд бўлмоқ. *Анчайин дардли гаплар, ой нури эмиб оқайган ариқ сувининг майин жилдирашига жўр бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Ит эмган қ. ит I.** **Хом сут эмган банд** (ёки инсон) она сутини эмиб катта бўлган, ундан бошқани билмайдиган, хом, содала.

**ЭМОЦИОНАЛ** [р эмоциональный] Эмоцияларга, ҳис-туйғуларга тўлган; эмоцияни, ҳис-туйғуларни ифодалайдиган; жўшқин. *Эмоционал спектакль. Эмоционал музика.*

**ЭМОЦИОНАЛЛИК** эмоционал с. белги оти. *Шоирнинг асарлари ўз эмоционаллиги билан ажралаб туради.*

**ЭМОЦИЯ** [р<фр] Ҳис, туйғу; ҳис-ҳаяжон. *Кучли эмоция.*

**ЭМОҚ** тўлиқсиз феъл Мустақил равишда қўлланмайди; **эмиш**, **экан**, **эди**, **эса** феъл формаларининг асосини ташкил этади.

**ЭМПИРИЗМ** [р<грек] I филол. Тажрибага асосланган идрокни, яъни ҳиссий идрокни билишнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган ва назариянинг аҳамиятини инкор қиладиган таълимот.

2 Назарияни камситиб, фақат амалий ишга, тажрибага берилиш, қуруқ амалиётчилик.

**ЭМПИРИК** [р] Эмпиризм тарафдори.

**ЭМПИРИК** [р эмпирический] I Эмпиризмга оид. *Эмпирик философия.*

2 Тажрибага асосланган, тажрибадан олинган. *Эмпирик формула.* — *Тушунмоқ учун эмпирик тарзда тушуна, ўргана бошламоқ, эмпириядан умумийга кўтарилиб бормоқ керак.* В. И. Ленин, Гегелнинг «Логика фани» китобининг конспекти.

**ЭМПИРИОКРИТИК** [р] Эмпириокритицизм тарафдори.

**ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ** [р<грек] филол. Философияда 19 аср охирида пайдо бўлган субъектив-идеалистик реакция оқим; махизм; материализмга душман бўлган бу оқимнинг тарафдорлари моддий дунёнинг объективлигини инкор этади, материяни онгнинг маҳсули деб қарайди.

**ЭМРАНМОҚ** диал. Бирон қайғули, кўнгилсиз воқеа, хабардан озор чекмоқ; ўртанмоқ. *Бошдан даълат кетса, тувғон эмранар.* Мақол. — *Кўргандан эмранди тандаги жоним.* «Равшан». *Гул кетар бўлса, гулистон эмранар.* «Алпомиш».

**ЭМУЛЬСИЯ** [р<лат] I Бир-бирида эримайдиган икки суюқликнинг бири иккинчисида жуда майда томчилар ҳолида муаллақ сузиб юрадиган қоринмаси (мас., ёғ томчиларининг сувдаги қоринмаси эмульсиядир). *Экинларга эмульсиялар пуркаш. Станокни эмульсия билан совутиш.* — *Ультра-*

*товуш тебранишлари ёрдами билан ҳар хил эмульсиялар ҳосил қилинади.* «Физика».

2 Фотоплёнка, фотоқоғоз ёки фотопластинка бетига суртилган ёруғлик сезувчи қатлам.

**ЭМФИЗЕМА** [р<грек] мед. Қиши организми тўқнамасида ёки бирор аъзода ҳавонинг тўпланиб қолиши натижасида шу аъзонинг шишувидан иборат касаллик. *Упка эмфиземаси.*

**ЭМЧАК** I Аёллар кўкрагидаги ҳар икки сут безлари ва уларнинг ҳар бири. *Эмчак учи. Эмчак солмоқ* эмизмоқ. *Эмчакдан ажратмоқ* (ёки айирмоқ, чиқармоқ) гўдакни эмизмай, бошқа овқатлар билан боқа бошламоқ. — *Эмчакдан ажралган бир неча болага қараб туриш учун.. рўзгордан бир хотин чопиққа чиқмаса ҳақлидир.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Сутэмизувчи ҳайвонларнинг сут безлари; елин.

**ЭМЧАҚДОШ** айн. эмиқдош. *Қавимий йўқ, Равшанжон, қариндошим йўқ. Сир айтмайин десам, эмчакдошим йўқ.* «Равшан».

**ЭМЧИ** I Эмловчи табиб, врач, ҳамшира.

2 этн. Эми-дими, дуо, қоқиқ-суқуқлар билан даволовчи табиб. *Бир ман ўзим қоқимчи, Ҳам элчиман, аласчи.* Ҳамза.

**ЭН** I «Н» ҳарфининг номи.

**ЭН** II I Нарсаларнинг кўндаланг йўналишдаги катталиги; кенглиги. *Уйнинг бўйи ва эни. Эни бир метр, бўйи икки метр келадиган гилам.* — *Энига йиғирма олчин жой олган ўн беш даричали каттакон чорхари уй, ичида элик чоғлиқ бек йиғитлари гулхан солиб ўтирар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Икки эн** икки бўлак нарсадан энига улаб қилинган. *Икки эн кўрна. Энига* 1) кўндалангига, эн томонига; 2) кўндаланг томонидан. **Эн** (ёки энига) **тортмоқ** кенгаймоқ; қалинлашмоқ. *Умуруқ ота пўстлоғи эн тортиб, танаси кавак бўлиб кетган кекса толга сўяниб ўтирибди.* X. Ғулум, Машъал. У [Давронов] семириб юзлари қизариб кетган, новча бўйи энига тортган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир кийимлик газлама.

3 Белги, тамға (адаштирмаслик учун қорамол ёки қўй қулоғида ҳосил қилинган кесик). **Эн солмоқ** молнинг ёки қўйнинг қулоғини кесиб, кертик қилиб қўймоқ.

**ЭНА** диал. Она.

**ЭНАГА** Қимсанинг боласини тарбиялаб катта қилган хотин; мома, ача. *Икки энага сарполарини кўтариб, Зухра орқасидан кириб келдилар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ЭНАМОҚ** диал. айн. эн солмоқ қ. эн 3.

**ЭНАҒАР** диал. Онағар. *Юрган йўлинг баланд тоғдир, энағар! Ошиқни биз билан ўйна, баччағар!* «Гуруғли».

**ЭНГ** Сифатларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўз (баъзан сифатлашган бошқа сўз туркумлари ёки отлашган сифатлар билан ҳам келиши мумкин). *Энг яхши. Энг зўр. Энг олдин. Бозорнинг энг қайноқ жойи. Энг кампи. Энг кўпи. Энг муҳими.* — *Халқ кўзида бу — энг қора, энг мудҳиш, энг зотим маҳкама эди. Ойбек, Қутлуг қон. Бу ишда Курбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди. А. Қаждор, Қўшчинор.*

**ЭНГАК** *диал.* Ияк. **Энгак қоқмоқ** бошни иргитиб имо қилмоқ. **Энгак боғламоқ** (ёки **танғимоқ**) мурданинг иягини боғлаб қўймоқ. *Қоратой ўз белбоғи билан дўстининг энгагини танғиди. Ойбек, Қутлуг қон.*

◆ **Энгак ташламоқ** жони узила бошламоқ (ўлим олдида).

**ЭНГАШМОҚ** 1 Белни букиб тананинг юқори қисмини қўйи солмоқ; эгилмоқ. *Ғуломжон чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Оғмоқ, қийшаймоқ. *Минора энгашиб қолибди.*

**ЭНГАШТИРМОҚ** энгашмоқ *фл. орт. н.* Бошини энгаштирмоқ. *Дарахт шохини энгаштирмоқ.*

**ЭНГИЛ** *айн. кийим.* Янги энгил. *Энгил киймоқ.*

**ЭНГИЛ-БОШ** Бир сидра кийим ва пойабзал; уст-бош. *Энгил-боши бут.* — *Қудрат ўрнидан туриб энгил-бошини қоқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЭНДИ** *рви* 1 Сўз бораётган пайтда; ҳозир, филҳол. *Энди менга жавоб беринг. Уйдан энди чиққан эдимки, ёлғир ёга бошлади.*

2 Сўз бораётган пайтдан кейин, ундан буён. *Энди бизниқига қачон меҳмон бўласиз? Поезд энди келади.* — *Мен сизнинг кўрпачангизга кўп ўтирганман, энди менга ортиқча тақаллуфингизнинг ҳождати йўқ. А. Қодирий, Утган кунлар.*

3 Маънони таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. *Ана энди ана холос. Нега энди нимага ахир, нима учун, нима сабабдан. Нега энди Тошкентга жўнайсиз? Қачон энди қачон ахир. — Қачон бормоқчи бўласиз энди? — деб сўради Офтоб ойм. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ЭНДИГИ** 1 Сўз бораётган пайтдаги, вақтдаги; шу пайтга тегишли; ҳозирги. *Мен энди дунёдан ўтаётган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 Сўз бораётган пайтдан кейин ёки ўша пайт ҳозир бўладиган; навбатдаги, бундан кейингиси. *Эндиги гал. Эндиги навбатга. Эндиги вазифа.*

**ЭНДИГИНА** Сўз бораётган пайтнинг, вақтнинг худди ўзида; ҳозиргина; ҳақинда. *Мурти эндигина сабз ура бошлаган йигит. Қуёш эндигина чиққан эдики, улар ога жўнашди.*

**ЭНДИЛИҚДА** Ҳозир, ҳозирги вақт-

да; бугунги кунда; сўз бораётган пайтга, вақтга келиб. *Эндилиқда Ўзбекистон гуллаган республикага айланди.*

**ЭНДИРМОҚ** энмоқ *фл. орт. н.*  
**ЭНДШПИЛЬ** [р<нем] Шахмат партиясининг охирги қисми; тақ. дебют. *Пиёдали эндшпилларни ўрганиш мураккаб ҳисобларни юритишни осонлаштиради, шахмат ҳаваскорларининг ўйин маҳоратини оширади. М. Муҳидинов, Пиёдали эндшпиллар.*

**ЭНЕОЛИТ** [р<лат+грек] Неолитдан бронза даврига ўтиш даври (бу даврда биринчи мис асбоблар пайдо бўла бошлаган). *Қалтаминор маданиятининг ёдоғорликлари неолит ва энеолитга.. оид бўлиб, жуда ҳам кенг территорияга тарқалган. И. Жабборов, Қўхна харобалар сирни.*

**ЭНЕРГЕТИК** [р] Энергетика мутахассиси.

**ЭНЕРГЕТИК** [р энергетический] Энергетикага оид; турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. *Энергетик ресурслар. Қишлоқ хўжалигининг энергетик базаси.*

**ЭНЕРГЕТИКА** [р<грек] Фан, техника, сонаот ва умуман халқ хўжалигининг турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган соҳаси. *Қишлоқ хўжалиги энергетикаси. Мамлакат энергетикаси.*

**ЭНЕРГИЯ** [р<грек] Материянинг асосий хоссаларидан бири, материянинг иш бажара олиш қобилиятининг мезони; қувват. *Механик энергия. Химик энергия. Атом энергияси. Энергиянинг сақланиш қонуни.*

**ЭНЕРГОБЛОҚ** [р] Электр энергияси ишлаб чиқарадиган станциянинг ҳар бир мустақил қисми.

**ЭНЕРГОСИСТЕМА** [р], **энергетика системаси** Ягона тармоқ ҳосил қилиб ўзаро боғланган ва бир марказдан бошқариладиган йирик электростанциялар бирлашмаси.

**ЭНКАЙМОҚ** Энгашмоқ, эгилмоқ, букилмоқ, қўйи солинмоқ, оғмоқ. *Энкайган дарахт. Энкайган чол. Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка еткунча, энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча. Мақол.* — *Узун ўйнал сочларини осилтириб, энкайиб гўл сунура бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЭНКА-ТЕНКА:** энка-тенкасини **куритмоқ** (ёки **чиқармоқ**) *айн.* энка-тинкасини **куритмоқ** (ёки **чиқармоқ**) қ. энка-тинка.

**ЭНКА-ТИНКА:** энка-тинкасини **куритмоқ** (ёки **чиқармоқ**) жуда ҳам зериқтирмоқ, безор қилмоқ, жонга тегмоқ; чарчатмоқ. *Болалар тўполон қилавериб энка-тинкамни чиқарди.* — *Шанба кунни Кўтир дала томонда кўтаришган чанг одамларнинг энка-тинкасини чиқариб юборди. Мирмуҳсин, Чўри.*

**ЭНЛАМОҚ** Эн томонга чўзилмоқ; энини қопламоқ, босмоқ, олмақ. —

*Фабрикадан чиқётган гиламлар уйни энлаб, чўғдай ёниб турса, қайси кўз қувонмайди. Г. Нуриллаев, Ғуззаллик оламида. У очиқ кўрагини энлаб турган оппоқ соқолини панжалари билан таради. Й. Шамшаров, Кўрк меъмори.*  
**ЭНЛАТМОҚ** энламоқ *фл. орт. н.* [Чўпонлар] биринчи қудуқда сурувларни энлатаман деб, анча ивирсиб қолишди. А. Мухтор, Чинор.

**ЭНЛИ** 1 Кенг; сербар. *Энли камар. Энли газлама.*

2 Бармоқ кенглигидаги. *Пўлат икки энли келмайдиган тор пешанасини тириштирди. «Ғунча».*

**ЭНМОҚ** *диал.* Инмоқ, тушмоқ. *Тогдан пастга энмоқ.* — *Секин-секин олдинга энётган қўйлар гоҳо қуруқ шувоқларни қирс-қирс чайнайдилар, гоҳо оғизга илинар-илинмас ўтларга ўзларини урадилар. О. Хўжаев, Ҳаёт ишқи.*

**ЭНСА** Одам бошининг орқа томини. *энса суяги (анат.).* — *Ярим шарнинг кейинги қисми энса палласини ҳосил қилади. «Анатомия».*

◆ **Энсаси қотди** кимсанинг ноҳўя гапи, қилиғи ва ш. к.дан гаши, аччиғи келди. *Унинг қилиғини кўриб энсам қотди.* — *Пўлатжон энсаси қотганидан тишида данак чақётгандек бир кўзини қисиб, пешанасини тириштирди. С. Аҳмад, Қадрон дала-лар. Энсасини қотирмоқ* ноҳўя гап, қилиқ, ҳаракат ва ш. к. билан гашини, аччиғини келтирмоқ. *Бўлмаган гаплар билан энсасини қотирмоқ.*

**ЭНСАҚОТАР** Энсани қотирадиган; ёқимсиз, бемаза. *Энсақотар гап.*

**ЭНСИЗ** Эни унча катта бўлмаган; камбар, тор. *Энсиз мата. Энсиз тахта. Энсиз тош йўл.*

**ЭНТАК-ТЕНТАК** Пойма-пой, ватикути, тутуруқсиз. — *Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Энтак-тентак юрмоқ* (ёки **қадам босмоқ**) нотекис қадам ташлаб юра бошламоқ, зўрга бир-икки одим ташлаб юрмоқ, атак-чечак қилмоқ.

**ЭНТИКМОҚ** 1 *айн.* хўрсинмоқ. *Давлатёр қаттиқ энтикиб олди: — Йўқ, гаплашиши жуда қийин. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Қумуш кўзини юмди-да, энтикиб қўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 Ҳаво етишмаётгандек қийналиб, тез-тез нафас олмақ, нафаси оғзига тикилмоқ. *Наримон узоқ жойдан чопиб келган одамдай энтикар, бўғиқ овоз билан гапирар, кўзлари олазорак бўлиб атрофга қарарди. П. Қодиров, Уч илди. Орқадан, бирөөнинг бўғиқ нафаси, энтикиб хансирагани эшитилди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. — Дада, — деди сувага чўкаётган одамдай энтикиб, келинингизни бой бердим. А. Мухтор, Опа-сингиллар.] Ҳовриқмоқ, хансирамоқ. Шербек Нигорани эхтирос билан ўпар, соғиниб, энтикиб ўпар эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

Дада, Акбар акам келди. Уйланадиган қизини ҳам олиб келди, бирим яхшики,— севинчдан энтиқиб шивирлади қиз. Х. Аҳмар, Қим ҳақ?

**ЭНТИКТИРМОҚ** энтиқмоқ *фл. орт. н. У сапирломоди. Томоғига бир нима тиқилди-ю, энтиқтирди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ЭНТОМОЛОГ** [р] Энтомология мутахассиси. *Агроном-энтомолог. Энтомолог олимлар.*

**ЭНТОМОЛОГИЯ** [р<грек] Зоологиянинг ҳашаротларни ўрганувчи бўлими.

**ЭНЦИКЛОПЕДИК** [р энциклопедический] Энциклопедияга оид; энциклопедия доирасидаги; ҳамма илм-фанларни ўз ичига оладиган, қомусий. *Энциклопедик луғат. Энциклопедик билмага эга бўлган одам.*

**ЭНЦИКЛОПЕДИСТ** [р] *айн. энциклопедиячи.*

**ЭНЦИКЛОПЕДИЯ** [р<фр] Илм-фаннинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий тўплам; қомус. *Катта совет энциклопедияси. Ўзбек совет энциклопедияси.*

◆ **Жонли энциклопедия** ҳамма фанларга оид маълумотларга эга бўлган киши.

**ЭНЦИКЛОПЕДИЯЧИ** *тар.* 18 асрда яшаган, илм-фаннинг кўп соҳаларини эгаллаган илгор француз олимлари, философлари, ёзувчилари ва публицистлари группасига мансуб киши (бу группа 1751-1780 йилларда «Энциклопедия» тузган ва нашр этган).

**ЭНЧИ** Ота томонидан фарзандга ажратиб берилган жонивор, бош мол. Унинг Алломишга энчи бир тарлон бисси бор эди. «Алпомиш». Менинг ўзимнинг энчи отим ҳам Бойчибордан кам эмас. «Ёдгор».

**ЭП:** эп **кўрмоқ** (ёки **билмоқ**) лойиқ, муносиб кўрмоқ, яраша деб билмоқ. *Бу ишни ўзимга эп кўрмадим. — Турғун.. Саодатга қаршилик кўрсатишни эп кўрмади. О. Ёқубов, Тоғ қизи. Қўша-қўша сеп беранга эп кўрсин. Хамза. Анвар вағда бериб қўйишни эп билмаганликдан сўзсиз ўтирар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Эпи келди эплайдиган, уддасидан чиқадиган бўлди. Отда юришга эп келиб қолгандай эди — энди. оғмаяпти ҳам, сурилмаяпти ҳам. С. Анорбоев, Мехр. Эпга келмоқ тузалмоқ, яхшиланмоқ, тартибга, эпқага келмоқ. Танбех билан эпга келмаганларни идорага ёзиб топширадилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Эпга олмоқ (ёки солмоқ, келтирмоқ) тузатмоқ, изга, тартибга солмоқ, эпқага келтирмоқ.*

**ЭПАШАНГ** Лапашанг, лаванг, ношуд, нуноқ.

**ЭПАҚА:** эпқага келмоқ (ёки тушмоқ) *айн. эпга келмоқ қ. эп. Хўжалик эпқага келди. Бола шўхлигини ташлаб, анча эпқага келиб қолди. — Бир неча вақт ўтгандан кейин Ғиёс эпқага тушиб, ҳаққий, тўғри бўлиб қолди.*

**Ф. Мусажонов, Ғамхўр. Эпқага солмоқ** (ёки келтирмоқ, олмоқ) *айн. эпга олмоқ (ёки солмоқ, келтирмоқ) қ. эп. Хўжаликни эпқага келтирмоқ. — Хуллас, мулла Обидни бошда эпқага олиш, одамшаванд қилши Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЭПАҚАЛИ** 1 *айн. эпли 1. Эпқаали бола.*  
2 Эпқага келадиган, белгили тартиб, талаб чегарасидаги, жўяли. *Лолaxon эпқаали сўз топши ҳаракатида эди. Х. Нуъмон, Фасллар.*

**ЭПИГРАММА** [р<грек] Бир неча сатрли кичик ҳажвий шеър.

**ЭПИГРАФ** [р<грек] Бугун адабий асар ёки асар қисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифода-лайдиган цитата, ибора, мақол ва ш. к. «Искра» газетаси «Учқун алангага айланади» эпиграфи билан чиқар эди.

**ЭПИДЕМИК** [р эпидемический] Эпидемияга оид, эпидемия характерида бўлган, ялли, кенг тарқалган ёки тарқаладиган. *Эпидемик касаллик.*

**ЭПИДЕМИОЛОГ** [р] Эпидемиология мутахассиси.

**ЭПИДЕМИОЛОГИК** [р эпидемиологический] Эпидемиологияга оид. *Касалликларнинг эпидемиологик таснифи.*

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ** [р<грек] Юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш йўллариини ҳамда уларга қарши кураш чораларини ўрганадиган фан.

**ЭПИДЕМИЯ** [р<грек] Юқумли касалликларнинг ялли, кенг тарқалиши. *Вабо эпидемияси.*

**ЭПИЗОД** [р<грек] 1 Айрим ҳаётий воқеа, ходиса. *Кураш йилларидаги эпизодлар. У жанг майдонидаги бир эпизодни сўзлаб берди.*

2 Адабий асарда, пьеса, кинофильм ва ш. к. да маълум даражада тугал мазмунга эга бўлган парча, воқеа. *Расмда тасвирланган эпизод. «Алпомиш» достонидаги эпизодлар.*

**ЭПИЗОДИК** [р эпизодический] 1 Гоҳ-гоҳ бўлиб турадиган, кам бўладиган, тасодифий. *Эпизодик муваффақиятлар.*

2 Айрим эпизодларда учрайдиган, кўринадиган, қатнашадиган. *Эпизодик роль. Эпизодик персонаж.*

**ЭПИЗОБИЯ** [р<грек] Ҳайвонларда бирор юқумли касалликнинг кенг тарқалиши; ўлат.

**ЭПИК** [р эпический] *ад.* Эпосга оид, эпосда бўладиган, эпосда тасвирланган. *Эпик қаҳрамон. | Эпосдан иборат бўлган. Эпик достон.*

**ЭПИЛЕПСИЯ** [р<грек] *мед.* Тутқа-ноқ касаллиги; қуёнчик.

**ЭПИЛОГ** [р<грек] Адабий асарнинг хотимаси, асар қаҳрамонларининг тақдири ҳақидаги қисм, хотима; тақ. **пролог.** *Романнинг эпилоги. — Операда прологдан эпилогга-ча иштирок этадиган яна бир қаҳрамон мавжуд. Т. Жумаев, Ойжамол.*

**ЭПИТЕЛИАЛ** [р эпителиальный] Эпителияга оид, эпителий хужайраларидан иборат бўлган. **Эпителиал тўқима** *айн. эпителий 1.*

**ЭПИТЕЛИЙ** [р<грек] 1 *биол.* Кўп хужайрали организмларнинг баданини ҳамда бўшлиқларининг ички-ташқи деворларини қопловчи тўқималар. 2 *бот.* Баъзи ўсимликларнинг бўшлиқларини қоплаган юққа деворли хужайралар қатлами (бу хужайралар мўй, қатрон, эфир моддалари ажратиб чиқаради).

**ЭПИТЕТ** [р<грек] *ад.* Нарса, воқеа, ходиса ва ш. к.нинг сифат-фазилятларини яққол, жонли тасвирлаш ёки тасвирли қилиб кўрсатиш учун уларнинг номига қўшиб ишлатиладиган сифатловчи сўз.

**ЭПИЦЕНТР** [р<грек+лат] Ернинг зилзила, портлаш ва ш. к. ўчоғи, марказидаги устки қисми. *Зилзила кучи эпицентрда етти балла етди.*

**ЭПКИН** Салмоқ, залвор, силтов. *Шабада эпкини. — Шабада.. саратон яйловининг бошини айлантирадиган эпкини олиб келади. А. Мухтор, Чинор. Эпкинга бардош беролмай, сув тасида бир-бирига урилаётган катта тошларнинг гулдур-гулдур кишини ваҳимага солади. Х. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.*

**ЭПЛАБ-СЕПЛАБ** Бир эвини, иложини қилиб, бир амаллаб, амал-тақал қилиб. *Эплаб-сеплаб тўғриламақ. Борини эплаб-сеплаб етқизмақ.*

**ЭПЛАМА** Эплаб-сеплаб қилинган, бир амаллаб ясалган; ясама. *Эплама ош. Эплама курси.*

**ЭПЛАМОҚ** Уддаламоқ, уддасидан чиқмоқ. *Ишни эпламоқ. Сен раис бўлсанг, эплайсан. | Амалини, иложини, йўлини топмоқ; эвини қилмоқ, амалламоқ. Оз бўлса эплаб кўр, кўп бўлса сеплаб кўр. Мақол. | Уддаламоқ, таъминламоқ. Сен менга закон сўқма.. Ўзингни эплаб турсанг ҳам катта гап. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? Аввал ўзининг кўйлак-ишонини эпласин, уйланишни ким қўйибди унга! П. Турсун, Ўқитувчи. | Қўлда тутмоқ, эпга солмоқ, идора қилмоқ. Болалар жуда шўх экан, сира эплай олмадим. Отни эплай оласанми? — Битта хотинни эплай олмай, яна кўнглингиз бошқасини ҳам тўсайдики? А. Қаххор, Сарсб.*

**ЭПЛАНОМҚ** *эпламоқ фл. мажҳ. н. Хаевтир бўлмаг, ҳаммаси эпланади.*

**ЭПЛАШМОҚ** *эпламоқ фл. бирг. н. Ишни эплаша олмади.*

**ЭПЛАШТИРМОҚ** 1 *эплашмоқ фл. орт. н.*

2 Эвини, амалини, иложини топмоқ, амалламоқ, эпламоқ. *Тихирлик билан ҳайтовур кўнди, отаси! — ёлғонни эплаштирди шўрлик она. Ойбек, Нур қидириб.*

**ЭПЛИ** 1 Қўлдан ҳамма иш келадиган, удадуро, шудди. *Эп.и бола. 2 кам қўлл. айн. эпқаали 2.*

**ЭПОПЕЯ** [р<грек] 1 *ад.* Эпик жанрдаги тарихий воқеалар тасвир этил-



ган йирик асар. *Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси.*

2 Мардонавор, жасуруна ишлар билан боғлиқ бир қатор воқеа-ходисалар. *Қахрамонлик эпопеяси.*

**ЭПОС** [*p* < *грек*] 1 Бадий адабиётнинг лирика ва драмадан ажралиб турадиган баён тарзидаги учинчи тури. *Воқеаларни кенг ҳуқоқ қилмиша асосланган адабий асарлар группаси эпик тур ёки эпос деб аталади.* «Адабиёт назарияси»

2 Халқ оғзаки ижодиётида қахрамонлик ва қахрамонлар ҳақидаги достонлар мажмуи. *Қахрамонлик эпоси. Кирғиз халқининг «Манас» эпоси.*

**ЭПОХА** [*p* < *грек*] геол. Геологик даврнинг бир қисми. *Тош тўзи уюмлари энг қадимги геологик эпохаларда бўлган денгиз сувларининг қуриб қолганидан вужудга келгандир.* «Химия».

**ЭПСИЗ** Ҳеч нарса эплмай диган, ношуд, лапашанг. *Эпсиз бола.*

**ЭПЧИЛ** Ҳар қандай ишни тез ва чаққон бажарадиган; оёқ-қўли чаққон, абжир, удалди. *Эпчил йиғит.* — *У энди эпчил, уддабуро жангчи бўлиб қолди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. *Пахта терган теримчи қиз, йиғит ҳам, Бир-биридан чапдаст, эпчил, жонқуяр.* Ҳабибий.

**ЭР** 1 «Р» ҳарфининг номи.

**ЭР** II 1 Эркак жинсига мансуб киши; эркак. *Эр сийлаган ерда азиз.* Мақол. *Анғизли ерда от ўлмас, ийрикли ерда эр ўлмас.* Мақол.

2 Хотин киши билан никоҳ аҳдида бўлган эркак киши; қаллиқ (ўз хотинига нисбатан). *Эрга бермоқ, Эрга тегмоқ, Эр қилмоқ, Эрдан чиқмоқ, Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ.* Мақол. *Яхши хотин эрни эр қилади, ёмон хотин ер (қилади).* Мақол. — *Қизимнинг кўнелини ол, эридан чиқариб сенга бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Мард, олижаноб, жасур киши. *Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, от бошига иш тушса, сувлуқ билан сув ичар.* Мақол. || *Эр йиғит майдонда билинар.* Мақол. — *Эр йиғит энаси ғариб ўларми, Энам деб мастонга кўнели берарми? «Рустам» Қизил аскар эрдой бўлиб келади, Ишқирса душманни дамба олади.* Фозил шонр.

**ЭРА** [*p* < *лат*] 1 Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи. *Мусулмонлар эраси Мухаммад Маккадан Мадинага хижрат қилган вақтдан ҳисобланади. Янеи (ёки бизнинг) эра еўе Христос туғилган кундан ҳисобланади. Эрамининг биринчи асрида. Эрамаздан бурунги бешинчи асрда.* — *Йиллар ҳисобининг бошланган вақти календарь эраси деб аталади.* «Астрономия».

2 Давр, қандайдир тарихий ва ижтимоий хусусиятлари билан бошқаларидан фарқ қиладиган давр. *Космик эра.*

## ЭРГАШУВЧИ

3 геол. Ер тарихида маълум тоғ жинсларининг пайдо бўлиши билан характерланадиган, бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат. *Палеозой эраси. Кайнозой эраси.*

**ЭРАМ** [*a*]: боғи эрам қ, боғ I 1.

**ЭРАН-ҚАРАН** айн. элан-қаран.

**ЭРБИЙ** [*p* < *шведча*] Лантанидлар группасига кирадиган химиявий элемент, металл.

**ЭРГАШ** 1 Эргашувчи, эргашиб борувчи, эргашиб юрувчи.

2 Эргаш (*эркаклар ва хотин-қизлар исми*).

♦ **Эргаш гап грам.** эргашган қўшма гапдаги бош гапга эргашиб, бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаб келган гап. **Эргаш бўлақлар жж. грам.** иккинчи даражали бўлақлар.

**ЭРГАШИШ** 1 эргашмоқ *фл. иш оти.* Бирова эргашши.

2 грам. Тобе бўлиш, тобеланиш (бош гап билан эргаш гап ёки гап бўлақлари ўртасидаги тобелик муносабати). *Тенг эргашши.*

**ЭРГАШМОҚ** 1 Орқасидан бормоқ, изма-из юрмоқ, кетидан бормоқ. *Ҳаммалари Боисжоннинг орқасидан эргашиб қўчага чиқиди.* Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши. | Бирга бориш учун ёпишмоқ, хархаша қилмоқ (болалар ҳақида). *Бола онасига эргашиб йиғлаб қолди.* — *Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб қашқа бузоқ ҳам маъраб юорди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тақлид қилмоқ, кимсадан ўрнак, ибрат олиб унинг ҳаракатини такрор қилмоқ, қайтармоқ. *Кўп юрганга эргашма, кўп биланга эргаш.* Мақол. — *Олдин Қамолдин маҳдум, унга эргашиб Асад қори хи-хилаб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 грам. Эргашши муносабатида бўлмоқ, тобе бўлмоқ. **Эргашган қўшма гап** ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ёрдами билан боғланиб (баъзан боғловчисиз) эргаш ва бош гапдан тузилган қўшма гап. *Гапнинг бошқа бўлақларига бўйсунмай, эргашмай, ўзаро мослашиб келган бўлақлар бош бўлақлар дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**ЭРГАШТИРМОҚ** эргашмоқ *фл. орт. н.* *Овга итни эргаштириб кетмоқ.* — *Истасангиз яқин кўрган ўртоқларингизни ҳам эргаштириб келинг.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Йиғит ҳаммадан айрилиб четга чиқди-да, ёшига хотинини эргаштириб кета бошлади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЭРГАШТИРУВЧИ** эргаштирмоқ *фл. иш оти.*

♦ **Эргаштирувчи боғловчи грам.** бир гапни иккинчи гапга эргаштириб боғлайдиган боғловчи, мас. «чунки», «шунинг учун».

**ЭРГАШУВЧИ** 1 эргашмоқ *фл. иш оти.*

2 Издош, маслакдош, мухлис.

3 *тех.* Асосий қисм томонидан юргизиладиган. *Эргашувчи шестерня.*

## ЭРИНЧАК

4 грам. Тобе, эргаш. *Тенг эргашувчи бўлақлар.*

**ЭРДОНЧА** диал. Тирранча, тирми-зак. *Энди саккиз-тўққиз яшар эрдончалар пар-пар, кувё-кувё, ўпич-ўпич ўйнайди.* Ҳамза.

**ЭРИМОҚ** 1 Исниб, қизиш натижасида қаттиқ қолдан суюқ қолга ўтмоқ. *Эриган пўлат.* *Эриган чўян.* | Исиб, қизиб юмшамоқ ёки суюқ қолга келмоқ. *Эриган сариёғ.* — *Ерлар эриб ҳамма ёқ шилт-шилт лой, кўрғон кунгураларидаги қировлар буга айланиб, кўкка кўтарилмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Иссиқдан ланж бўлмоқ, бўшашмоқ. *Мадминхўжа эса бошини солиштириб, мумдек эриб ўтиради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Иссиқлик таъсирида сувга айланмоқ (қор, муз ҳақида). *Тоғларнинг эриган сувлари.* — *Мавжларга оқ капалаклардек қўнаётган қор учқунлари шу ондаёқ жимжит эрийди.* Х. Фулом, Машъал.

3 *кўчма* Аста-секин йўқолмоқ; кўздан ғойиб бўлмоқ. *Учқунлар.. эрга тушгунча ҳавода эриб йўқ бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Секин-секин ой кўрина бошлади. Кечанинг қоронғисида эриб йўқолган дарахтларни нурлантириб, уларга кўркам ҳаёлий манзаралар шаклини беради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Суюқликда парчаланиб, шу суюқликка қўшилиб кетмоқ. *Чойда эриган қанд.* Ёғ сувда эрмайди. *Оғизда эриб кетадиган патир.*

5 *кўчма* Йймоқ, ийиб кетмоқ; кўнгли юмшаб, меҳри товланмоқ ёки ҳиммати ошмоқ. *Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳозир бўлинг, ўртоқ ефрейтор, гўзал қизлар ҳам анойи эмас, салгина гапга эриб кета бермайди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Бобойнинг сўзларига тош ҳам эрийди. Сиз одам-сиз-ку!* Ойбек, Қутлуғ қон. | Таъсирланиб, завқланиб кетмоқ. *Маҳорат билан ижро этилаётган куйдан ҳамма эриди.*

6 *кўчма с. т.* Харид қилинган нарса, янгиллик, муваффақият ва ш. к. учун зиёфат қилиб бермоқ; сийламоқ, ювмоқ. *Нимага бу ерда турибми? Ошхонага олиб кириб, бир эрийин энди санга, жонгинам!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ЭРИНМОҚ** Бирор ишга унчалик ҳафсала қилмай, ялқовлик билан ҳаракат қилмоқ, ялқовланмоқ. *Қўлимдан келади-ю, эриниб турибман. Хат ёзишга эринади. Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма.* Мақол. — *От қари ва бениҳоят ориқ эди, думини қимирлатишга ҳам эринар.. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭРИНТИРМОҚ** эришмоқ *фл. орт. н.* *Яқин эринтирар, узоқ чоптирар.* Мақол.

**ЭРИНЧАК** Ишдан эринадиган, ишга унчалик рағбати, ҳафсаласи йўқ;

ялқов. Эринчак бола. || Эринчак икки ишлар, охири бармоғин тишлар. Мақол. Эринчакнинг иши битмас. Мақол. **ЭРИНЧОҚ** айн. эринчак.

**ЭРИТИЛМОҚ** эритмоқ фл. мажх. н. Эритилган сарйег. Эритилган чўян. ■ Анхор суви аввал қизғин бўлиб, кейин бир қорайиб олди-да, жийвалари эритилган кумушдек оқариб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ЭРИТКИЧ** тех. 1 Металларни эритиш учун ишлатиладиган қурилма, печь.

2 Эритма ҳосил қилувчи, эритувчи суюқлик. Намақоб тайёрлаш учун эриткич сув ишлатилади. Ацетон бўёқларни эритувчи яхши эриткичлардан биридир.

**ЭРИТМА** 1 Бир ёки бир неча модданинг суюқликда жуда майда қисмларга (молекуларга) ажралган ҳолдаги қоринмаси. Сувдаги туз эритмаси. Тўйинган эритма. Қаттиқ эритма айн. қотишма.

2 тех. Металл эритиш печида бир йўла олинмаган металл миқдори, эритилган махсулот. Пўлат эритиш процесси қаришб уч соат қисқартирилади. Хозирда ҳар бир печдан суткасига тўрт марта эритма олинапти. О. Абдурахмонов, Оловбардорлар.

**ЭРИТМОҚ** эримоқ фл. орт. н. Пўлатни эритмоқ. Музни эритмоқ. Қандни чойга солиб эритмоқ. ■ Ёш боланинг тили ҳар қанақа кўнглини эритади. А. Қаххор, Қўшчинор. Афанди оч қолабошлагач, ўз намозхонларини эритмоқчи бўлди. «Латифалар».

**ЭРИТРОЦИТЛАР** [р<грек] Қизил қон таначалари, қизил қон шариклари.

**ЭРИТУВЧИ** 1 эритмоқ фл. ш. оти. Юракни эритувчи гап.

2 айн. эриткич 2. Сув жуда кўп турли қаттиқ, суюқ, газсимон моддалар учун эритувчидир.

3 Металлургия саноатининг ишчиси. Пўлат эритувчилар.

**ЭРИШ** 1 1 эримоқ фл. иш оти.

2 Иссиқлик таъсирида қаттиқ жисмларнинг суюқ ҳолга ўтиш ҳодисаси, процесси. Музнинг эриши. Металлнинг эриши. Эриш температураси.

3 с. т. Харид қилинган нарса, янгилик, муваффақият ва ш. к. учун берилмаган зиёфат. Эриш қочмайди. Аввал ишларинг бидан таништирида, ўртоқжон, — деди Моҳидил. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ЭРИШ** II Номуносиб, ярашмайдиган, тўғри келмайдиган; ғалати. Қўзга эриш кўринмоқ. Қулоққа эриш ишитилмоқ. ■ Энди Раҳимжоннинг тўсатдан совчи юбориши ҳам илгаригидек ғалати ва эриш кўринмади. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**ЭРИШИЛМОҚ** эришмоқ фл. мажх. н. Қасб-хунарда эришилган камолот. Эришилган муваффақият.

**ЭРИШМОҚ** 1 Муваффақ бўлмоқ, қўлга киритмоқ. Мақсадга эришмоқ. Қурултойга вакил бўлиш шарафига

эришмоқ. Яхши натижага эришмоқ. Ғалабага эришмоқ. ■ Биз қанча яхши жанг қилсак, зафарга ҳам шунча тез эришамиз. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кам қўл. Етмоқ, етиб келмоқ, етиб бормоқ, етиб олмоқ. Манзилга эришмоқ.

**ЭРИШТИРМОҚ** эришмоқ фл. орт. н. Ишчанлик ғалабаларга эриштиради. ■ Абдурахмон уч йил бўйи савдогарлар орасида «ахлоқ тузатган» бўлса, яна икки йил мадрасада туриб, шу тузалган ахлоқини «камолотга» эриштирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЭРК** 1 Кишининг ёки кишиларнинг ўз хоҳиши билан иш-ҳаракат қилиш ҳуқуқи; ихтиёр, майл. Ҳар кимнинг эрки ўзида. Ўз эркига қўйиб бермоқ. Эркини бўғмоқ. Қўлингга, тилингга эрк берма. Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса. Мақол.

2 Сийёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик; эркинлик, озодлик, хуррият. Эрк учун курашмоқ. ■ Майдонча чиқ, ишчилар! Бу кун эркинг олар кундир, Қўзингни оч, меҳнатчилар. Ҳамза. Менга эрк берган совет ҳукумати. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЭРКА** 1 Қўнглига келган ишни қилиш учун ихтиёр бериб қўйилган, талтайтириб юборилган; эркатой, тантиқ. Эрка хотин. || Отасининг эркаси. || Эрка ўсган бола. ■ Ухла, эрка, ухла роҳат. Йўл бермаймиз ёвга ҳеч вақт! Қ. Муҳаммадий.

2 Эрка (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЭРКАК** 1 айн. эр II 1, 2. Эркак жинси. Эркаклар костюми. ■ Доя келгандан сўнж, ичкари ҳовли эркак зотида тозаланди. А. Қодирий, Утган кунлар. Билмадим, хотин тортигани учун эркак тегишгиси келадими, эркак тегишадиган бўлгани учун хотин тортинадими? А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Эр жинсидаги ҳайвон, эр жинсидаги жонивор. Эркак мушук. Эркак қўй. Эркак ғоз. Хотиним қиз туғди деб хафа бўлма, шернинг эркак ва ургочиси баравар. Мақол.

3 бот. Чўлда ўсадиган, бошоқлиларга мансуб кўп йиллик ўсимлик.

◆ Эркак супурги диал. дағал супурги, қоровул супурги. Эркак сабзи эркаклаган сабзи.

**ЭРКАК-АЁЛ** Эркак ва аёл(лар). Ёшу қари, эркак-аёл бари кўчада. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЭРКАКЛАМОҚ** Ёғочдай қотиб ўз хусусиятини йўқотмоқ (баъзи бир сабзавот ҳақида). Эркаклар кетган сабзи.

**ЭРКАКЛАРЧА** рви Эркаклар қаби, эркаклардек. Эркакларча иш қилмоқ. || Эркакларча йўғон овоз.

**ЭРКАКЛИК** 1 эркак с. белги оти. Эркаклик ғурури. ■ Садқаи эркаклик кетинг, хилватга тортиб ўпшини ҳам билмайси! А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

2 Эркакларга хос иш, хатти-ҳа-

ракат ва хусусиятлар. — Хотинларим, — деди бой, — менда эркакликдан бирор нарса қолмаганини билдилар, уйланишимдан улар учун бирон зарар йўқ. Айний, Қуллар.

**ЭРКАКЧА** 1 айн. эркакларча. Қимдир тез-тез гапиради, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 сфт Эркакларга хос, эркаклар учун белгиланган. Эркакча кийим. Эркакча ўйин.

**ЭРКАКЧАЛИШ** 1 Эркакларга ўхшаган, эркаксимон. Эртаги кун нима қилади бу эркакчалиш секретарь? С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эркакларча, эркакча. Фақат чолгина Қомиланинг «эркакчалиш қилиқлари»ни ёқтирмайди, йигит бўлса каллақессар бўларди, деб юради. А. Мухтор, Чинор.

**ЭРКАКЧИЛИК** айн. эркаклик 2. **ЭРКАКШОДА** Эркакларга ўхшаш. Шаддо, гапини зивого бермайдиган, эркакшода Асрора беновога бошлиқ бўлди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ЭРКАЛАМОҚ** 1 Мехр билан снлаб-сийпамоқ, суймоқ. — Ухла, ухла, айланай полвон боладан! — эркалаб боланинг бошини силади Йўлчи. Ойбек, Қутлуғ қон. Қалбим гурс-гурс уради, ширин орзу вужудимни эркалаб ўтади. Шухрат, Шинелли йиллар. [Отабек] ухлаб кетар экан, ўзини гоҳ қонга беланиб ётган ҳолда, гоҳ Қумушни эркалаб турган ҳолда кўрар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Қўнглига қараб, эрка қилиб ўстирмоқ; эрка, тантиқ қилиб юбормоқ.

**ЭРКАЛАНМОҚ** 1 эркаламоқ фл. ўзл. н.

2 Эркалик қилмоқ, ўзини эркаларча тутмоқ. Нури.. онасини ёлғиз учратиб, уни ийдориш учун эркаланиб, секингина мақсадини айтди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қанизак столда турган каттакон бир китобни варақлар экан, эркаланган товуши билан: — Рауф ака, шундақа китобларга қачон тишим ўтадиган бўламан? — деди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЭРКАЛАТМОҚ** эркаламоқ фл. орт. н. айн. эркаламоқ. Болани эркалатмоқ. ■ Усмонжон .. баҳор ёлғизидан очилган гулдек гўзалланган бу жасоратли пари қизни эркалатиб, сочларини силаб юпатгиси келди. С. Зуннунова, Гўлхан.

**ЭРКАЛАШ** эркаламоқ фл. иш оти. Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча ғурур берган. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Эркалаш ва кичрайтиш қўшимчалари грам. отларга қўшилиб эркалатиш ёки кичрайтиш маъноларини берувчи қўшимчалар, аффикслар (мас. -чок; кўзи — кўзичок). Эркалаш ва кичрайтиш отлари грам. шу қўшимчалар ёрдамида ясалган отлар.

**ЭРКАЛИК** 1 эрка с. белги оти. Эркалатган сари эркалиги ошади.

2 Эрка одамларга хос қилиқ, иш, хатти-ҳаракат, ноз, эркаланиш. Қизча бирдан Бектемир тиззасига бошини қўйиб, эркалик, ялинчоқлик билан деди: — Нон бер. Егим келятми. Ойбек, Куёш қораймас. Эркалик қилмоқ 1) эркаларча хатти-ҳаракат қилмоқ; ўзини эркаларча тутмоқ, эркаланмоқ; 2) кўча ҳадди сиққан одамга бирор илтимос билан муурожаат қилмоқ. Сизга бир эркалик қиламиз-да, машинангизни бир соатга бериб турсангиз.

3 Кўнглига келган ишни қилиш учун ихтиёр бериб қўйилган чексиз имтиёзли ҳаёт, шароит. Эркаликда ўстирмоқ. — Воқеан, туғилиб эркаликда ўрсан... Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЭРКАН 1** эрмоқ фл. сфтди.

2 эск. айн. экан 2.

**ЭРКАТОЙ** Эрка бола. Отасининг эркатойи. || Эркатой фарзанд. | Тан-тиқ, ойимтўлла.

**ЭРКИН** 1 Ҳар қандай тўсиқ, ғов, монелик ва ш. к.дан холи бўлган; бемалол. Эркин ҳаёт. || Эркин нафас олмақ. | Эрки ўзида бўлган, озод. Эркин кийик. || Ўзини эркин сезмоқ. Эркин шеър ад. қофияси бўлмаган шеър.

2 Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақилликка эга бўлган, озод, хур.

3 Эркин (эркаклар ва хотин-қизлар ишми).

**ЭРКИНЛИК** 1 эркин 1, 2 с. белеги оти. Виждон эркинлиги. Йигилиш ва намойишлар эркинлиги. — Буржуа демократияси, буржуа матбуоти эркинлиги фақат капиталистлар учунгина эркинликдир. В. И. Ленин, Советларнинг VII Бутгурроссия съезди.

2 Эркин ҳаёт, шароит. Эркинликда яшамоқ.

3 Озодлик, мустақиллик, хуррият, эрк. Эркинлик учун кураш.

**ЭРКЛИ** Ўз эрки ўзида бўлган; озод, хур. Эркил юрт. || Мен эркиман, қувноқ қиз, Бахт чоғуси қўлимда. Файратий.

**ЭРҚАРВАР** айн. эрксевар. Эркпарвар одам. Эркпарвар халқ.

**ЭРҚСЕВАР** Озодлиқни севувчи, озодлик учун курашувчи; хурриятпарвар, хурриятсевар. Эрксевар халқ.

**ЭРҚСИЗ** Ўз эрки ўзида бўлмаган, озодликдан маҳрум; эрки йўқ, ҳақ-ҳуқуқсиз, тобе. Эрксизга эрк бермоқ. — Замоннинг зайли шу бўлса, ўзим чувалчандек эрксиз, кучсиз бир бечора бўлсам, нима қилай ахир, жон қизим! М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ЭРҚСИЗЛИК** 1 эрксиз с. белеги оти. 2 Тобеликдаги ҳаёт, шароит, ҳақ-ҳуқуқсизлик.

**ЭРЛИ** Эри бор, эрга теккан, эри билан яшаб турган. Эрли хотин. — Уйнашдан айниб, эрли бўлмоқчиман, мулла ака, А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЭРЛИК** 1 эр II с. белеги оти.

2 Мардлик, мардонаворлик, қаҳрамонлик, жасорат. Қойил бўлине

эрликка. — Олис юртдан ошган тор-тар хўрликни, Бедов минган йигит қилар эрликни. «Равшан».

3 айн. эркаклик 2.

**ЭРМАК** 1 Вақтни кўнгилчоғлик билан ёки зерикмай ўтказиш учун хизмат қиладиган ҳар қандай нарса, машғулот. Болалар эрмаги. Бекорчиликка эрмак. Эрмак — эрмак. — Овқатдан кейин эрмак учун ўзининг ҳам ўзга шоирларнинг муаммоларидан бир нечасини ўқиб, яширилган исмларни топишни илтимос қилди. Ойбек, Навоий.

2 Кўнглига тасалли берадиган, оу-тадиган нарса, кимса; овуноқ, юпанчиқ. Назокатнинг бирдан-бир машғулоти ва эрмаги дутор эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёлғизликнинг дастлабки кунларида унинг эрмаги фақат Тўлқин билан Учқун бўлди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Масхара, кулги, мазах бўлган кимса, нарса. Қизлар Салимаҳонни эрмак қилиб, кулишиб ўтирганларида Хадичахон кириб келди. Н. Фозилов, Оқим.

**ЭРМАҚЛАМОҚ** 1 Мазах қилмоқ, калака қилмоқ; масхара, эрмак қилмоқ.

2 Эрмакка, зерикмаслик учун бирор иш қилмоқ. Самоварчи келтириб қўйган чойни мен ҳам майдалаб эрмаклай бошладим. Ҳамза.

**ЭРМАҚТАЛАБ** Эрмакка эҳтиёжи бўлган, эрмак истовчи. Йўловчилардек эрмақталаб халқ камдан-кам бўлади. С. Аҳмад, Хотин.

**ЭРМАҚЧИ** Эрмак қилувчи, кимсани мазах, масхара қилувчи одам. Девонанинг ўпкаси ишииб кетди, эрмақчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЭРМАН** Мураккаб гуллилар онласига мансуб кўп йиллик тўп бўлиб ўсадиган ўт (унинг хидли майда тўқ яшил, какра барглари дори тайёрлаш учун ишлатилади).

**ЭРМАНА** айн. эрман. Эрманали уйда эр ўлмас, дарманали уйда дард бўлмас. Мақол.

**ЭРМИШ** эрмоқ фл. сфтди; айн. эмиш.

**ЭРМОҚ** эск. айн. эмоқ.

**ЭРОВУЛ** тар. Отлиқ разведкачи, лашкарнинг олдинги қисмларидан илгари борувчи отлиқ аскар.

**ЭРӨЗИЯ** [р<лат] 1 геол. Тупроқнинг, ер қобигининг сув, муз ёки шамол таъсирида емирилиши, нураши. Саҳродаги қудуқлар атрофида ўсимликлар пайхон қилинганлиги сабабли, у жойларда шамол эрозияси жуда кучли бўлади. П. Ғуломов, Зарафшон этакларида. Тупроқ эрозияси тупроқнинг энг семиз устки қатламнинг сув ва шамол таъсирида нураб ориқлаши.

2 тех. Металл сиртининг механик куч ёки электр заряди таъсирида емирилиши.

3 мед. Шиллиқ парданинг, эпителийнинг яллиғланиши.

**ЭРОНИЙ** Эрон халқига мансуб киши; эронлик. У асли эроний. || Эроний тиллар.

**ЭРОНЛИК** қ. эронликлар.

**ЭРОНЛИҚЛАР** 1 Эронда яшовчи халқлар; Эрон халқи.

2 Она тили эрон тиллари группасига мансуб бўлган кишилар (форс, афгон, тожик ва бошқалар).

**ЭРОНШУНОС** [ф-т] Эроншунослик бўйича мутахассис, олим.

**ЭРОНШУНОСЛИК** Эрон халқларининг (форс, тожик, афгон ва бошқа халқларнинг) тиллари, адабиёти ва маданиятини ўрганадиган фанларнинг мажмуи. Шарқшунослик факультетининг эроншунослик бўлими.

**ЭРРАЙИМ** Текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик қилувчи одам, валлакат. Яллагичликнинг пулидан эринамиз Раҳмат ҳожи бунчалик эррайим бўлиб юрибди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ЭРРАЙИМЛИК** 1 эррайим с. белеги оти.

2 Эррайим одамларга хос каттаконлик, валлакатлик. — Сен, менга нега эррайимлик қилаясан! — деди жаҳл билан Умарали, — раис раислигида, самоварчи самоварчилигида турсин. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ЭРСА** эск. айн. эса.

**ЭРСИЗ** Эри йўқ, эрга тегмаган ёки бева. Эрсиз хотин. || Уйнашга ишониб эрсиз қолмоқ. Мақол. — Моҳира ойим таънага тил очади: «Энди дунедан эрсиз ўтасан, қизим!» А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЭРСИРАМОҚ** Эр истаб, Эр талаб бўлиб қолмоқ; куйикмоқ. Бу ҳийлакор қиз, жуда кув қиз. Мени севмайди юракдан. У ёлғиз эрсираб қолган. Унга ўйин керак. Ойбек, Қутлуғ қон. [Шарофат:] Мен эрсираб келибманми?.. Эрсирасан бўлмас бўйини йўғон сон мингта! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЭРТА** 1 рвш Белгили вақтдан анча ёки бирмунча олдин, барвақт, вақгли. Эрта турмоқ. Эрта бориб, кеч қайтмоқ. Экинни эрта эккан ҳосилини эрта ўрар. Мақол. Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрарсан. Мақол. | Вақтидан илгари. Эрта қариган киши. Бу йил қиш эрта келди. Ишдан эрта кетиб қолмоқ. — Раъно сув салқинида бугун ҳам эрта ухлаб қолди. И. Раҳим, Ихлос. Ҳали ётмоққа вақт эрта эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Эрта пишаб бошқа хилларига қараганда барвақтроқ пишадиган, эртанги, чыллаки.

2 от Тундан кунга ўтиш вақти, тонгдан сўнгги пайт; эр талаб. Носвой йўқ, эртадан бери хумориман. Ойбек, Қутлуғ қон. Эрта билан эр талаб. Ишимиз эрта билан соат саккизда бошланади. — Эрта биландан бошланган бу ҳолат Ҳасаналининг кейинги

сўзи билан тажом бир даҳшат касб этди. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 от Келаси кун, сўз бораётган кундан кейинги кун. Бу воқеанинг эртаси. Эсарнинг эртаси кўп. Мақол. Бугун бўлмаса, эрта. Бугунги, эртами, ўқини бошлаймиз. — Сизлар чиқинлар,.. иш бўлмаса ётинлар, эрта вақтлроқ туриб ёвонга гўнг ташийсизлар. Айний, Қуллар.

**ЭРТАГА** рвш Сўз бораётган кундан кейинги кун. *Эртага борамиз. Бугунги ишни эртага қўйма.* Мақол.

**ЭРТАГИ** 1 Эртага бўладиган; эртанги. *Эртага мажлис. Эртаги иш. Эртаги думбадан бу кунги шалжақ яхши.* Мақол. *Эртаги савдонинг даҳсар огирлиги бор.* Мақол. — *Эртаги машгулотлари ёдига тушиб, «ётиш керак!» — деди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бошқа хилларга қараганда олдинроқ пишадиган, эрта пишар, чиллаки. *Эртаги сабзавотлар. Колхозда эртаги, ўртанги ва кечки сабзавот экинлари бор.*

◆ **Эртаги ё эртаги, эчкиларнинг бўртаги** эртақнинг бошланишида айтиладиган ибор.

**ЭРТА-ИНДИН** Эртага ёки индинга; яқин кунларда.

**ЭРТАК** 1 Ҳикоя тарзидаги халқ оғзаки ижодига мансуб асар; чўпчак. *Эртақ айтмоқ.* — *Бир ариқда сут, иккинчи ариқда шарват — эртақларда бўлади!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳикоя, қисса, воқеа. *Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла эшитди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг эртаги, экиндаги муваффақияти оғиздан-оғизга юриб кетди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЭРТА-КЕЧ, эртаю кеч** Эртадан кечгача, тонгдан бошланиб, то кун ботар пайтгача; кун бўйи. *Дадалга таҳорат сувини берадиган, эрта-кеч ҳолидан хабар оладиган бир мўмин-маъқул заифа топилса, яхши бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭРТАКҲ** Эртака уста одам, эртақ айтувчи.

**ЭРТАЛАБ** рвш 1 Куннинг бошида, тонг отгандан кейин, эрта билан. *Эрталаб йўлга чиқдик. Улар эрталаб бизникига келишди.* — *У бу хабарни эртага эрталаб қайси йўсин билан бека билдириш йўлларини ўйлар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 айн. эрта 2. *Эрталабдан то кечгача ёмғир ёғди.*

**ЭРТАЛАБКИ** Эрталаб бўладиган, эрта билан амалга ошириладиган, қилинадиган, бошланадиган, юз берадиган. *Эрталабки чой. Эрталабки қуёш нури. Эрталабки туман. Эрталабки поёз. Эрталабки иш кўнглини қилар хуш.* Мақол.

**ЭРТАЛИК** 1 Эрта билан ўтказиладиган йиғилиш (кўпинча болалар учун).

*Навоийга бағишланган эрталик. Пионер эрталлиги.*

2 айн. эрталлабки.

**ЭРТАМАТАН** диал. Эрта билан, эрталаб.— *Кўп вайсамай ечиниб ёт, эртаматан кўзини очолмай қоласан тагин,— деди чол Мардоновга.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

**ЭРТАН** диал. 1 айн. эрталлаб. *Оқшом палов, эртан чой.* «Равшан».

2 Эртаси кун, эртага. *Эртан келинг.*

**ЭРТАНГИ** 1 Эртага бўладиган, эртаси кун амалга ошириладиган, рўй берадиган. *Эртанги кун. Эртанги мажлис. Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. — *Бу кунги фойда гўшит бўлса, эртангиси нуқул мой бўлиши аниқ.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Эрталабки, эрталаб бўладиган. *Эртанги чой.*

3 Эрта пишар, эртаги.

**ЭРУВ** 1 **эримок** фл. иш оти.

2 айн. эрувгарчилик.

**ЭРУВГАРЧИЛИК** Қиш ёки илк баҳор кунлари ҳаво исиб ва қор-муз эриб сув кўп бўладиган вақт. *Кўклам эрувгарчилиги.*

**ЭРУВЧАНЛИК** Модданинг эриш қобилияти, хоссаси. *Металларнинг эрувчанлиги.* — *Газларнинг сувда эрувчанлиги температуранинг кўтарилиши билан камади.* «Химия».

**ЭРУВЧИЛИК** айн. эрувгарчилик.

**ЭРУР** эрмок фл. ҳозирги-келаси замон 3-ш. бирлиги 1 «Экан», «дир» ўрнида қўшма кесим тарқибда келади. *Чақир уни, ким эрур ул саҳройи гул.* Туйғун, Зулфизар.

2 «Экан», «дир» ўрнида келаси замонни ифодалайди. *Не бўлса ҳам, азизим, инон, Гўзал эрур барибир яшаш!* М. Али.

**ЭР-ХОТИН, эру хотин** Эр билан хотин, эр ва унинг хотини. *Эру хотининг уруши — доқа рўмолининг қуриши.* Мақол.

**ЭР-ХОТИНЛИК** эр-хотин с. мавҳ. от.

ЭС I «С» харфининг номи.

ЭС II I Одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти; ақл, онг, мия. *Эси наст. Эси бутун. Эсинг борми (жойидами, ўзингдами)? Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани.* Мақол. *Эси наст уятни билмас.* Мақол. **Эси кирди** ақли кирди, ақли бўлиб қолди. **Эси оғди** ақл-хушини йўқотди, махлиё бўлиб қолди. *Уйинини кўриб, эсингиз оғди, яна ёмонлайсиз.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Эсдан адашмоқ** ақлни йўқотмоқ, ақли шошиб, гангиб, эсанкираб қолмоқ. *Ақли шошиди, эсдан адашди.* «Равшан». **Эсни йиғмоқ** ақлни бир ерга қўйиб яхшилаб ўйлаб кўрмоқ; эс-хушини йиғиштириб олмоқ. *Эсинг йиғиб мамлакатни сўрагин.* «Муродхон». **Эсини йўқотмоқ** ақлни йўқотмоқ, ақлни йўқотиб саросимага тушмоқ; довдираб, гангиб қолмоқ. *Қатталар олдида эсини йўқотиб қўйди.*

2 Ёдда сақлаш қобилияти, ёд, хо-

тира. *Эсида бор. Эсимда йўқ. Эсида қолмади. Эсдан чиқармоқ. Эсда тутмоқ (сақламоқ). Эсим курсин!* унутиб қўйибман-а!, аттанг, эсимдан чиқибди! **Эсига келди (ёки тушди)** 1) ақлига келди. *Бу хатосини ўнлаш учун эсига ҳеч гап келмас эди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) хотирасига келди, ёдига тушди; *Кейин бир воқеа эсига тушиб мийғида кулиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; **Эсга олмоқ** 1) эсламоқ, эсга туширмоқ; 2) ўйлаб кўрмоқ, хисобга олмоқ. *Ермат.. болаб сўкишини мўлжаллади-ю, лекин қаерда, кимлар ўртасида туранини дарҳол эсга олиб, товушини ҳалқумида бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 3) тасаввур қилмоқ, ўйламоқ. *Бундай бахтсизликни улар эсга ҳам олмаган эдилар;* 4) тилга олмоқ, зикр қилмоқ; хотирага олмоқ. **Эсга!** **туширмоқ (ёки келтирмоқ, солмоқ)** 1) айн. эсга олмоқ 1; 2) ёдига туширмоқ, эслатмоқ. *Бас қил! Утган гапларни эсимга солиб оғзимнинг сувини оқизма!* Ҳозирни кўр. Айний, Дохунда. **Эсини тангандан буён (ёки бери, бошлаб)** ақли кирган пайтидан бери, гўдаклик чоғидан буён. *Эсимни таниганимдан бери бу иккинчи марта этик кийишим.* С. Маҳкамов, Шоғирд. **Эсини чиқармоқ** кўрқитмоқ.

◆ **Эси кетди** 1) хавотир бўлди, безовта бўлди, ташвишланди. *Яхши, Матлубахон шу ерда экан, эрикиб қолмадингизмикан, деб эсим кетди.* С. Зуннунова, Қўзлар; 2) қийналди. *Эскини ямазунча эсинг кетади.* Мақол. **Эси чиқиб кетди** жуда кўрқди.

**ЭСА биркт.** боғл. I Бўлса, «га келганда. *Опаси келди, укаси эса кетди.* — *Тўнқалар жуда кўп, ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин.* Ойбек, Қутлуғ қон. I «-да» юкламаси билан келиб «бўлса ҳам» боғловчисининг вазифасини ўтайди. *Бу оилда ёйиш-ичиш белгили тартиб билан режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бўлмаса, шундай бўлса. *Кел эса, устимга чиқ. Менинг қанотимга чиқ.* Ҳ. Олимжон. *Эса, Оққиз, бориб сен ҳам кўриб кел-чи.* «Равшан». I «Йўқ» сўзи билан келиб, «бўлмаса, акс ҳолда» деган маънони англатади. *Бўл-бўл, йўқ эса кечкиб қоласан.*

**ЭСАНКИРАМОҚ** Довдирамоқ, гангимок, саросимага тушмоқ, саросимада қолмоқ, эсини йўқотмоқ. *Қийинчиликлар олдида эсанкирамаслик.* Ютуқлардан эсанкирамоқ. — *Укасининг мантқиқ қаршида Ҳакимбойвачча ҳам эсанкираб қолди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭСАНКИРАТМОҚ** эсанкирамоқ фл. орт. н. *Қутилмаган хабар мени анча эсанкиратди.* — *Иккаласининг ҳам кайфлари баландми ё она келтирган хушхабар эсанкиратиб қўйганми, ишқилиб, қадам олишлари бошқача.* О. Ёқубов, Ларза.

**ЭСАНКИРАШМОҚ** эсанкирамоқ фл. бирг. н.

**ЭСАР** диал. Эси паст, тентактоб, всар. Эсарнинг эртаси кўп. Мақол. ЭСВОС Эси пастроқ, эси кирали-чиқали.

**ЭСДАЛИК** 1 Эсда қолган таассурот, хотира. *Отам шу мавзуда ўз эсдаликларидан бир воқеани нақл қилди.* Айний, Эсдаликлар. **Адабий эсдаликлар** ёзиб олинган, ёзиб қолдирилган эки нашр қилинган хотиралар, таассуротлар. **Йўл эсдаликлари** 1) сафар вақтидаги таассуротлар; 2) сафар вақтида олинган таассуротлар, хотиралар ҳақидаги хақсоқ, асар. **Эсдалик дафтари** 1) таассуротларни ёзиб қолдириш учун қўйилган дафтар, мас. музейда, кўрғазмада; 2) хотиралар ёзиб бориладиган кундалик дафтар.

2 Хотира рамзи эки хотира бўлиб қолган нарса; ёдгорлик. *Бободан қолган эсдалик.* || *Эсдалик совгалар.* — *Бу жойларни расмега олиб қўйсангиз яхши бўларди.* Ҳаммамизга эсдалик бўлиб қоларди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Бир тутам гул тугиб, боқдинг кўзимга, Дединеким: «Эсдалик бўлсин, буни ол.»* Х. Олимжон.

**ЭСЕР** айн. социалист-революционер. *Буржуа меньшевиклар ва эсерлар ёрдамига таяниб, алдаш йўли билан меҳнаткашлар оммасини ўз ҳукмронлиги остида тугиб келди.* В. И. Ленин, Партиясиз ишчи қизил аскарлар конференциясидаги нутқ.

**ЭСИЗ** 1 унд. с. Аттанг, эвоҳ; афсус. *Шундай қилиб, ёзнинг бутун кўркамлиги иш билан ўтиб кетди.* Эсиз-эсиз. Ф. Гулом, Тирилган мурда.

2 модал с. Афсус(ки). *Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер. Фақат кўпдир, эсиз, кўп душманингиз.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

3 раш Увол, хайф. *Эсиз шунча меҳнат. Қўшинга берсам — эсиз ошим, уйда турса — саир ошим.* Мақол.

**ЭСИЗИНА** эсиз 1, 3 с. субъектив баҳо ф-си.

**ЭСИЗКИ** эргаш боғл. Ачинарлики, афсус(ки).

**ЭСИРИК** эск. Маст, маст-аласт.

**ЭСИРИКМОҚ** Маст бўлмоқ, кайф қилмоқ.

**ЭСИРМОҚ** кам қўлл. айн. эсирик-моқ.

**ЭСКАДРА** [p<фр] Ҳарбий денгиз ёки ҳаво флотининг йирик қўшилмаси. *Миносослар эскадраси.*

**ЭСКАДРИЛЬЯ** [p<фр] Бир неча звено ёки отряддан иборат ҳаво флоти бўлинмаси. *Бомбардирмончилар эскадрильяси.* — *Штурман Жерар француз. У «Нормандия — Неман» эскадрильясида менинг ҳалок бўлган акам билан бирга хизмат қилган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

**ЭСКАДРОН** [p<фр] Бир неча взводдан иборат отлиқ аскарлар бўлинмаси. *Жанговар эскадрон.* — *Ҳов узоқдан тўзон кўтарилди. Туёқ товуши! Эскадрон чопар.* А. Мухтор.

**ЭСКАЛАТОР** [p<ингл] Метро, катта магазин ва ш. к.да одамларни юқо-

рига чиқариш ва пастга тушириш учун хизмат қиладиган ўзююрар зина. *Метро эскалатори.*

**ЭСКАЛАЦИЯ** [p<лат] Вақт ўтиши билан тобора тадрижий равишда кучайиб бориш, зўрайиш, кўпайиш, кенгайиш ёки зўрайтириш, кучайтириш, кўпайтириш, кенгайитириш.

**ЭСКАРТИШ** эск. 1 эскартмоқ *фл. иш оти.*

2 айн. эскартма.

**ЭСКАРТМА** эск. айн. эслатма.

**ЭСКАРТМОҚ** кам қўлл. Эскартма бермоқ, эслатмоқ.

**ЭСКИ** 1 Ишлатилиб, тутилиб эскирган, тўзиган. *Эски чопон. Эски этик. Эски кўрпа. Эски кийимнинг иссиги йўқ.* Мақол. || *Янгиини эски сақлар.* Мақол. — *Қозикқа осилган, чанг босган эски дўппидан бошқа ҳеч нима йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Вақт ўтиши билан нураган, тўзиган, эскирган. *Эски уй. Эски сандиқ.* || *Олтин-қумушнинг эскиси бўлмас.* Мақол. | Вақт ўтиши билан сифатини йўқотган, айниган, бузилган ёки кераксиз, яроқсиз бўлиб қолган. *Эски газета. Эски ёнғоқ.*

2 Кўҳна, кўп вақтлардан бери маълум бўлган, кўп вақтдан бери турган. *Эски шаҳар. Эски қалъа.* | Қадимги вақтларда бўлган ёки бошланган; азалги, қадимги, алмисоқдан қолган; қадимий. *Эски урф-одатлар.* — *Шариатнинг эски одат ва анъаналарининг кишани бошдан-оёқ бизни қандиб боғлаган.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Илгариги, бурунги, аввалги, собиқ. *Эски директор. Эски хатоларни такрорлашлик керак.* — *Ярим соат чамаси жонсаракка учраб учиб юришга мажбур бўлган қаргалар.. эски ўринларига қўна бошладилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Истеъмолдан чиққан, оёқдан қолган ёки бекор қилинган. *Эски алифбе. Эски пул.* — *Зийдаҳон баъзан эски сўзларга тили келишмай ва баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангда ўқиб тингловчиларга уқдира олмагани учун ҳўқоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қахҳор, Кўшчинор.

5 Утган замонни, даврни кўрган. *Энди, ука, биз эски одаммиз.* А. Қахҳор, Сароб. || *Эскилар эски одамлар, қариялар.*

6 Бирор ишда кўп вақт бўлиб тажриба орттирган, ветеран бўлиб қолган; тажрибакор. *Эски солдатлар. Эски жангчилар.* — — *Синаб кўриб эдим, жуда соз эди, — деди Ҳасан, — синаш вақти эски сеялқачи Ҳамдам акам ҳам бор эдилар.* Айний, Қуллар. | *Қадрдон, синашта. Эски ўртоқ.*

◆ **Эски гап** 1) маълум гап, ҳаммага маълум нарса, воқеа; 2) ха деб такрорланадиган иш. *Ҳали ҳам эски гапми! Хей, менга қара, бола! Нега урасан Қўзибойни? Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эски (усулдаги) мактаб Улур Октябрь революциясигача Урта Оснёда диний йўналишдаги мактаб. Эски*

*мактабда ўн йил ўқиган юз одамдан ўнтаси ё саводли бўлар, ё бўлмас эди.* Айний, Қуллар. *Янги усул мактабнинг яхшилиги.. ва хислатлари маҳит имоми Асад қорининг эски усул мактабига ҳам етиб борди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Эски тос, эски ҳаммом** иш аввалгича, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

**ЭСКИДАН** раш Азалдан, қадимдан, аллақачонлардан бери, узоқ вақтлардан буён. *Улар эскидан қалин оғайни. Эскидан қолган эртак.*

**ЭСКИДУЗ** Эски оёқ кийимларини ямаб сотувчи; ямоқчи.

**ЭСКИЗ** [p<фр] Хомаки чизма; хомаки, дастлабки режа. *Портретнинг эскизи. Деталнинг эскизи. Эскиз чизмоқ.* — *Балки инсон табассумини чўғи Гўзал ҳаёт эскизи бўлар.* С. Акбарий.

**ЭСКИЛИК** 1 эски с. белги оти. *Кийим тоза бўлса, эскилиги билинмайди.*

2 Утмишга, эски замонларга мансуб урф-одат, расм-русум, тартиб ва ш. к. *Эскилик сарқити. Эскиликдан юз ўсиримоқ.* — *Хотин-қизларга қарашимизда ўша эскиликнинг иши бор.* А. Қахҳор, Сароб. *Эскиликка нафрат, янгиликка муҳаббат.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршичилигига учрайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЭСКИМОС** [p<фр<эскимос халқи номидан] Шоколад қобиққа ўралган морожний. *Тарелкадаги эскимос секин-секин камайборди.* Н. Назаров, Замон.

**ЭСКИМОС** қ. эскимослар. || *Эскимос аёл.*

**ЭСКИМОСЛАР** Шимолий Америка, Гренландия ва Осёнийнинг шарқи-шимолида яшовчи халқ.

**ЭСКИМОҚ** айн. эскирмоқ. *Қийган тўйнинг эскийди, кийдирганинг эскимас.* Мақол. — *Вино қанча эскимас, мазаси шунча ошди.* Ойбек, Куёш қораймас.

**ЭСКИРМОҚ** 1 Ишлатилиб, тутилиб эски бўлмоқ, тўзимоқ ёки яроқсиз холга келмоқ. *Эскирган тўн. Эскирган машина.* — *Жамилахоннинг зенида анча эскирган оби-равон кўйлак.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. | Вақт ўтиши билан нурамоқ, тўзимоқ ёки яроқсиз холга келмоқ. *Уй эскириб қолди.* — *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлар эскириб, ранги хиралашган.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Вақт ўтиши билан сифатини йўқотмоқ, айнимоқ, бузилмоқ, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Эскирган ун. Эскирган ёнғоқ.*

2 Давр талабларига мос келмайдиган бўлиб қолмоқ; истеъмолдан чиқмоқ, оёқдан, моладан қолмоқ. *Эскирган нормалар. Эскирган дарслик. Эскирган сўз.*

**ЭСКИРТМОҚ** эскирмоқ *фл. орт. н.* *Тунов кунни олиб берган кийимни дарвор эскиртибсан.*

**ЭСКИ-ТУСКИ** Ҳар хил эски нарсалар, лаш-луш, қақир-қуқир нарсалар. *Эски-туски олиб сотувчи.* || *Эски-туски кийим.*

**ЭСКИФУРУШ** Эски-туски нарсаларни олиб сотувчи. *Устида усада чо-*

лон, буни бозорда ёлғиз эскифурушлар олиши мумкин. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭСКИЧА** Эски, илгариги вақтга мансуб бўлган, тилгариги одат, расм, тартиб ва ш. к.га мос келадиган; қадимгича. Эскича тўй. Эскича усул. Эскича гап. || Эскича кийинмоқ. Эскича ишламоқ. — Ой тўлмасдан Марғилон қатнаб турувчи ўғлининг энди уч ойлаб қўзғалмай қолиши учун Ўзбек олим эскича яна қувониб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЭСКИЧАСИГА** рўш Эски урф-одатларга мос равишда; қадимгича, бурунгидек. Янгичасига айтганда, мен қизингизни хохламайман, эскичасига керак бўлса — уч талоқ қўйдим. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЭСКИЧИ** айн. эскифуруш.

**ЭСЛАМОҚ** Эсга олмоқ; хотирга келтирмоқ, хотирламоқ. У сизни эслади. Чол ўтмишини эслади. — У кунларни эсласам агар, Сиқиламан, юрагим титрар. Ғайратий.

**ЭСЛАНМОҚ** эсламоқ фл. мажх. н.

**ЭСЛАТИЛМОҚ** эслатмоқ фл. мажх. н. Шу билан бу тўғридаги гап тугаб, навбатдаги музокаричи зиллиларнинг ер ислохотидаги вазифалари ҳақида маърузачи томонидан эслатилмаган масалалар тўғрисида сўзлаб кетди. А. Қаххор, Сароб.

**ЭСЛАТИШ** 1 эслатмоқ фл. иш оти. Ўтган гапни эслатиш.

2 Эслатиб ёдига солиб қўйиш, огоҳлантириш. Эслатиш қоғози расм. Бирор иш, масала, мажлис ва ш. к. ҳақида кимсага билдириб қўйиш учун ёзилган расмий ҳужжат.

**ЭСЛАТМА** Текстнинг алоҳида изоҳ талаб қилган ерига берилган тушунтириш. Эслатмалар ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда бўлиши мумкин. Бетнинг тагидаги эслатмалар. Қитобнинг охирида берилган эслатмалар.

**ЭСЛАТМОҚ** 1 эсламоқ 1 фл. орт. н. Ваъдани эслатмоқ. Ўтган гапни эслатмоқ.

2 Ўхшашлиги билан ёки ассоциация орқали эсга туширмоқ, хотирага келтирмоқ. Унинг эхтиёткорлиги «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деган халқ мақолини эслатди. — Йўлдош Ойнисага кўп жиҳатдан Тоштемирни эслатди. Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ЭСЛАШМОҚ** эсламоқ фл. бирг. н. От кишини топшиар, одам — эслашмоқ. Мақол.

**ЭСЛИ** Ақлли, ақлли-хушли, ақли бутун. Эсли қиз. — Бу болани, эсли деб, уйда қолдириб кетган эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Акрам қилни қирқ ёрган эсли йиғитлардан эмасми. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЭСЛИ-ХУШЛИ** айн. эс-хушли.

**ЭСМИНЕЦ** [р] Эскадра миноносеци. Битта эсминец пулига тўрт минг оила уй-жой қуриб олса бўлади. А. Мухтор, Тўғлиш.

**ЭСМИНС** эск. Эсминец, эскадра миноносеци.

**ЭСМОҚ** 1 Ҳаво оқими тарзида юр-

моқ, урмоқ, ўтмоқ (шамол ҳақида). Тоғ томондан қор изғирини эсмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. Енгилигина эсан шамол димоққа турли ўлан исларини келтириб урар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча Юзага келмоқ, рўй бермоқ, пайдо бўлмоқ. Эшик очилиб, Жўра кўринган, Қаримовда кичкинагина кўрқинчи ҳолати эди. Ҳ. Шамс, Душман.

**ЭСНАМОҚ** Чуқур нафас олган куйи ихтиёрсиз оғизни катта очмоқ; эсноқ, хомуза тортмоқ. Оғзини катта очиб эснамоқ. Насихат қилинса, бола эснайди. Мақол.

**ЭСНАШ** 1 эснамоқ фл. иш оти.

2 айн. эсноқ.

**ЭСНАШМОҚ** эснамоқ фл. бирг. н. Дўкон айвонларидаги устунларга суялган азаматлар дам-бадам эснашиб, шундай ёғингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж оладиган келди-кетди, савдо-сотикни томоша қилардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЭСНОҚ** Чуқур нафас олган куйи ихтиёрсиз оғизни катта очиш; хомуза. Эсноқ тортмоқ. Чолни эсноқ босди.

**ЭСОН** 1 Соғ, соғ-саломат, соғ-омон. Эсонмисиз? — Масковдан нима олиб келай сенга? — Ўзингиз эсон қайтсангиз, бас. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Эсон (эркаклар исми).

**ЭСОНЛАШМОҚ** Саломлашмоқ, хол-ахвол сўрашмоқ.

**ЭСОНЛИК** эсон 1 с. белги оти. Яхшилик эксанг, эсонлик ўрарсан. Мақол.

■ Эсонликда давлат учун ғам ема.

Пўлкан шоир.

**ЭСОНЛИК-ОМОНЛИК** айн. эсон-омонлик.

**ЭСОН-ОМОН** 1 Соғ-саломат, соғ-омон. Ҳамма эсон-омон. Эсон-омон бориб келинг.

2 с. т. кест. Бир иш қилиб, худо хоҳласа. Пулни эсон-омон йўқотгандирсиз? Ўйинчоқларни эсон-омон синдириб бўлди.

**ЭСОН-ОМОНЛИК** Соғ-саломатлик, эсон-соғлик.

**ЭСОН-СОҒЛИК** айн. эсон-омонлик.

**ЭСОНЧИЛИК** с. т. Эсонлик, эсон-омонлик, эсон-соғлик. Эсончилик бўлса кўришармиз.

**ЭССИЗ** 1 с. т. Эсиз. Нодонга сўзлаган, эссиз сўзим, ўликка йиғлаган эссиз кўзим. Мақол.

**ЭССИЗ II** 1 Эси йўқ, эси паст; нодон. Дўснат лабини тишлаб, бош чайқади: Эссиз, эссиз болалар-эй! — деди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Эсини йўқотган, телба, жинни. Муҳаммад Жамол маҳбубасидан айрилиб, телбалардай эссиз, хушсиз қолди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Хотираси суст, ҳеч нарсани эслаб қололмайдиган.

**ЭСТАКАДА** [р<фр] Кўприксимон нишоот (йўл, ариқ, дарё ва ш. к. устидан йўл ўтказиш учун, денгиз кемалари тўхтайдиган жойларда ва темир йўл станцияларида юк ортн-тушириш ва бошқа мақсадларда қурилади). Эстакадага гувиллаб кириб

келган самосваллар суяқ бетонни ба-дьяларга билқиллатиб тўқарди. А. Мухтор, Тўғлиш.

**ЭСТАФЕТА** [р<фр] 1 Катнашчиларнинг бир-биридан маълум узоқликда (этапларда) туриб, қўядан-қўлга бирор нарсани узатиб ўтказиладиган пойга мусобақаси. Юеурувчилар эстафетаси. Чанғичилар эстафетаси.

2 Шундай мусобақада қўлдан-қўлга узатиладиган нарса (одатда таёқча). Эстафета биринчи этапдан бошлаб, то охиригача этапгача қўлма-қўла узатилади.

3 кўча Авлоддан-авлодга ёки отадан болага ўтайдиган фикр, ният, орзу, анъана ва ш. к. Қекса авлоддан қабул қилинган эстафета.

**ЭСТАФЕТАЧИ** Эстафета катнашчиси.

**ЭСТЕТ** [р] Эстетизм нуқтан назардан санъат ва адабиёт асарларига ёндошадиган одам, эстетизм тарафдори (қ. эстетизм).

**ЭСТЕТИЗМ** [р<грек] 1 Санъатда мазмунни ва гоёвийликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ташқи формаларга берилиш.

2 Эстетика талабларига жавоб берадиган нарсаларни, гузалликни, нафис санъатни, етук бадий формаларни севиш.

**ЭСТЕТИК** [р эстетический] Эстетикага оид; эстетика талабларига жавоб берадиган, мос келадиган. Эстетик дид. Эстетик завқ. Эстетик тарбия.

**ЭСТЕТИКА** [р<грек] 1 Гузаллик, нафис санъат, бадий ижодиёт ва уларнинг формалари ҳақидаги фило-софик таълимот. Марксча-ленинча эстетика. | Бирор шахснинг санъатга бўлган қарашлари системаси. Пушкин эстетикаси. Навоий эстетикаси.

2 Гузаллик, нафосат, лафозат. Техника эстетикаси.

**ЭСТОН** қ. эстонлар. Эстон тили. || Эстон аёл.

**ЭСТОНЛАР** Эстония халқи, угро-финн халқлари группасига кирадиган халқ.

**ЭСТОНЧА** 1 Эстон халқи, тили, адабиётига ва маданиятига оид. Эстонча рақс. Эстонча кийим.

2 Эстон тили. Эстонча(ни) быласизми? || Эстонча сўзлашмоқ.

**ЭСТРАДА** [р<фр] 1 Артистлар ва оркестр концерт-томошалари учун белгиланган сахна, баланд жой, супа. Эстрадага чиқмоқ.

2 Санъатнинг ашула, рақс, акробатика, бадий ўқиш, кичик-кичик драматик ва қўлғили асар ва ш. к.ни ўз ичига олган кичик формаси ҳамда шу формалардаги концерт-томошалар. Ўзбек давлат эстрадаси. Эстрада оркестри.

**ЭСХОНА:** эсхонаси чиқиб (ёки ўйнаб) кетди ўлгудек кўрқиб кетди, қаттиқ хурқди.

**ЭС-ЭС:** эс-эс билмоқ (ёки эсламоқ) элас-элас билмоқ, ғира-шира эсламоқ, ноаниқ, зўрға хотирага келтир-



моқ. *Отанин эс-эс биламан.* — *Йўлдош Рашидни эс-эс эсларди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЭС-ХУШ** 1 Эс ва хуш, ақл, мия. Унинг эс-хуши жойида эмас.

2 Фикр-зикр, ўй-хаёллар. *Нурининининг эс-хуши — эрга тегши.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ЭС-ХУШЛИ** Эсли ва хушли; эси, ақли бутун; эсли-хушли.

**ЭТ** 1 айн. гўшт 2,3. *Мол эти. Қўй эти. Хом эт. Шафтоли эти. Эти қизил қовун. Этники этга, шўрваники бетга.* Мақол. *Насия еманг этни, қизартирар бетни.* Мақол. — *Сиз мана шу пулга гузардан бир чорак эт келтириб, шўра қилиб берсангиз!* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Одамнинг бадани; одам баданининг юмшоқ жойи, мускуллари. *Сўз суякдан, таёқ этдан ўтади.* Мақол.

— *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб шартлак олишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эт узилиши йиқилиб ёки қалтис урилиб кетишдан мускулларнинг чўзилиб шикастланиши. Эти суягига (ёки устухонига) ёпишган жуда ориқ, озгин. Эт олмоқ (ёки солмоқ) семирмоқ.* *Жониворлар мен йўғимда салкам ўн киллодан эт олибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

*Эт ташламоқ ёки этдан тушмоқ* 1) озмоқ; 2) кўчма хафа бўлмоқ, таъби хира бўлмоқ. [*Бойвачча ҳовлига*] ҳар кириб чиққанида бир эт-бир эт тушар, димоғидан қор ёғар ва аламига чиқолмасдан пўнғиллаб ўтарди.

Х. Шамс, Душман. *Эти жимирлашди қ. жимирлашмоқ.*

◆ *Бир кўйлак эт жуда семиз. Бир парча эт чақалоқ бола, гўдак. У ўз боласини бир парча этдан катта қилгунча не машаққатлар тортмаган.* С. Ахмад, Уфқ. *Эти сизники, суяги бизники* эск. революциядан илгари болани мактабга олиб келиб домлага, мактабдорга топшириш пайтида бутун эрки-ихтиёри ўзиниғизда деган маънода ишлатилган ибора. *Эти ўлган* 1) бадани сезиш қобилиятини йўқотган (мас., дори таъсирида); 2) одатланиб қолган, кўниккан. *Эти қотган айн. эти ўлган* 2. *Урсанг эти қотади, гапирсанг бети қотади.* Мақол. *Этингни бир бурдадан қиламан* яхшилаб адабингни бераман.

**ЭТАЖ** [p<фр] айн. қават 2. *Қвартирамиз тўртинчи этажда.*

**ЭТАЖЕРКА** [p<фр] Китоб териб қўйиш учун мосланган бир неча қават тоқчали мебель тури. *Пўлатжон этажеркадаги қатор китобларга бир кўз ташлаб олади.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**ЭТАЖЛИ** айн. қаватли. *Кўп этажли йиллар.*

**ЭТАК** 1 Қийимнинг пастки осилиб тушиб турадиган кенг қисми, бар. *Кўйлакнинг этаги. Тўйнинг этаги.* Асли душман эл бўлмас, этаки кессанг енг бўлмас. Мақол. — *Чопоннинг этаги*

*билан бурушиқ пешанасининг терини артди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Отан-бола чопонларининг этақларини бар уриб, қазувага жўнаб кетдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Пахта териш учун махсус тикилган, бўйинга осиб, белга боғлаб олиннадиган мата парчаси; фартук. *Белга этак боғламоқ. Бир этак пахта.*

3 Баъзи нарсаларнинг чети, қуйи томони, охириги қисми. *Дала этаги. Сахро этаги. Ҳовли этаги. Уйнинг этаги.* — *Шаҳарнинг ҳар иккала томонда экин майдони бўлиб, этаги ўрмонга бориб тақаларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Кўйи ғарбага оғиб, булутлар этагини қизартирмоқда.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Айланма сув этакка бориб етганда, сугориш тамом бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Тоғ, тепа, адирларнинг энг пастки қисми, баландликнинг таги. *Олатонинг шимолий этақлари. Адир этаги.*

5 Сувнинг, дарёнинг пастки, қуйи қисми; сувнинг қуйилиш жойи; оёқ, мансаб. *Зарафионнинг этаги.* — *Кўйиш ҳаво билан чулганган жилга этагида бир қора пайдо бўлган эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

6 Вақт эътибори билан охириги қисм, охир, сўнг. *Февралнинг этақларида кун исиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Августнинг этақларига келиб, каналга сув очилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ *Бир этак жуда кўп, анча. Кишлоқ осмонида бир этак юлдуз милт-милт ёнади.* С. Абдуқаҳҳор, Дала гвардиячилари. *Ўзи далага чиққани билан уйда ишга яроқсиз бир этак боласи бор.* С. Зуннунова, Олов. *Этак йиртиш этн.* унашиш, унаштириш маросими. *Оёғинг келишмаган, шумпешана экансан!* *Этак йиртиш қилиб қўйган кўёвинг ҳаждан қайтмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЭТАК** *тутқизмоқ* ўзини тутқизмоқ, тутқич бермоқ. *Жиноятчи чап бериб, этак тутқизмай кетган.* — *Лекин уйқу этагини тутқизмай кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. *Этак тутмоқ* иона тўплаш учун этак очиб давра айланмоқ. *Қамбағаллар этак тутиб пул йиғишди. Этак қайриб бар уриб, енг шимариб, астойдил. Этак қайириб ишга киришмоқ. Этак қоқмоқ (ёки слякимоқ)* воз кечмоқ; юз ўғирмоқ, баҳридан ўтмоқ. *Дунёдан этак силкимоқ.* — *Этагининг қоқиб кета бер, дейсизми? — Чунки шундан бошқа чоранг йўқ.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Орқа этагида юки йўқ бола-чақаси, ортиқча ташвини йўқ. Этагидан тутмоқ (ёки ушламоқ)* айн. этагини тутмоқ. *Этагини йиғиштирмоқ* саранжомини олмоқ, босди-босди қилмоқ. *То Ашурали ҳақиқатнинг тағига етиб олгунча, Мирҳосил яшайди. У ақалли этагини йиғиштириб олади.*

Х. Ғулум, Сейта интиламан. *Этагини тутмоқ* ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, умид билан бирор кимсани маҳкам ушламоқ. — *Ўғлинеиз ўша жасоғчи қизнинг этагини тутиб қолган.* — *деди Шакархон. Х. Назир, Утлар туташганда. Кейин, мен турмушга чиқиб кетсам, эркин этагини тутсам, онам билан укамга ким қарайди? «Қахрамоннома».*

**ЭТАКЛИ** 1 Этакка эга бўлган, этаги бор. *Бурма этакли кўйлак.*

2 Этак тутган (қ. **ЭТАК** 2). *Далага бир нечта этакли студент чиқди.*

**ЭТАКСИЗ** 1 Этаги йўқ, безтак (қ. **ЭТАК** 2).

2 Этак тутмаган.

3 *кўчма* Тайини йўқ, бетайин; уятсиз.

**ЭТАК-ЭТАК** Бир неча этак, кўп, этаклар. *Этак-этак пахта.* || *Этак-этак пахта термоқ.*

**ЭТАЛОН** [p<фр] Белгиланган ўлчов бирлигининг аниқ намунаси. *Метр эталони. Бирламчи эталон.* — *Ўтказкичларнинг қаршилигини ўлчаши учун, аввало, қаршилик намунаси, яъни қаршилик эталони танлаб олиниши керак.* «Физика».

**ЭТАН** [p<грек] Нефть газлари таркибида бўладиган туссиз газсимон, ёнувчи модда.

**ЭТАП** [p<фр] 1 Босқич, давр. *Тараққиёт этаплари.*

2 *ҳарб.* Қўшинлар йўлидаги дам олиш ва таъминот пункти.

3 *тар.* Революциядан илгариги Россияда сургунга олиб кетилаётган кишилар тўдаси, уларнинг йўлдаги кўниш жойи ва сургун жойиғача бўлган йўл. *Этап қилмоқ* этап билан сургунга юбормоқ.

4 *спорт.* Югуриш мусобақалари, пойга ва эстафета йўлининг айрим участкаси. *Биринчи этапни совет спортчиси биринчи бўлиб ўтди.*

**ЭТДА-БЕТДА** *диал.* У ерда-бу ерда, у ер-бу ерда; онда-сонда.

**ЭТДОР** 1 Этли, семиз, тўла, гўштдор. *Этдор бола.* — *Ҳожини хола узукни этдор синчаолоғига ўтказга туриб ҳиринглади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эти қалин, серэт, этли. *Этдор шафтоли.*

**ЭТИК** [p этический] Этикага онд; этика талабларига мос келадиган, ахлоқ нормаларига жавоб берадиган; ахлоқий, маънавий. *Этик таълимот. Ахлоқнинг этик нормалари.*

**ЭТИК** Болдинри бекитиб турадиган узун қўнжли пойафзал. *Амирхон этик. Афдарма этик. Қирза этик. Кўн этик. Сағри этик. Хром этик.* || *Этик мойи. Этик қўнжси.* — *Йўли этиги билан унинг [бойваччанинг] думбасига яна бир тенди.* Ойбек, Кутлуг қон.

◆ *Икки оёғини бир этикка тикмоқ (ёки сукмоқ)* қ. оёқ 1.

**ЭТИКА** [p<лат] 1 Ахлоқни ижтимоий онгинг бир шакли сифатида ўрганувчи фалсафий таълимот. *Марксистик этика.*

2 Бирор синф, ижтимоий группа

ёки бирор касб эгаларига хос адаб-ахлоқ, унинг нормалари ва қондалари мажмуи. *Партиявий этика.*

**ЭТИКДҮЗ** Этик тикувчи уста, касб.

**ЭТИКЕТ I** [*p<фр*] Бирор жамиятда, ижтимоий гуруҳ ва ш. к. да қабул қилинган ўзаро муомала қондалари мажмуи. *Сарой аҳлига хос этикет.*

**ЭТИКЕТ II** [*p*. этикетка] *кам қўлл. айн. этикетка.*

**ЭТИКЕТКА** [*p<фр*] *айн.* ёрлик 2. **ЭТИКЧИ** *айн.* этикдўз.

**ЭТИЛ** [*p<грек*] *хим.* Кўпгина органик бирикмалар таркибига кирадиган, водород ва кислород атомларидан иборат химиявий гуруҳ. Хлорли этил учувчан ва тез ўт оладиган, медицинада эт ўлдирувчи дори сифатида ишлатиладиган суюқлик.

**ЭТИЛЕН** [*p<грек*] *хим.* Углерод ва водород бирикмасидан иборат, ҳавога қўшилиб портловчи модда ҳосил қиладиган, ёнувчи туссиз ва ҳидсиз газ.

**ЭТИЛМОҚ I** *этноқ I фл. мажх. н.* Жорий этилмоқ. Хал этилмоқ. Тасдиқ этилган ҳужжат. Имзосиз аризалар қабул этилмайди.

**ЭТИЛМОҚ II** *этноқ II фл. мажх. н.* Ҳамма меҳмонга этилади.

**ЭТИМОЛОГИК** [*p* этимологический] Этимологияга оид. *Этимологик белги. Этимологик дугат.*

**ЭТИМОЛОГИЯ** [*p<грек*] I Тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқиши, манбаини ўрганадиган бўлими. 2 Сўзнинг манбаи, келиб чиқиши. «Пул» сўзининг этимологияси.

**ЭТИШМОҚ I** *этноқ I фл. бирг. н.* Ишни ўз вақтида адо этишиди.

**ЭТИШМОҚ II** *этноқ II фл. бирг. н.* Йўлда икки дўст чурқ этишмади. Ойбек, Қутлур қон.

**ЭТКАЗМОҚ** *этноқ I фл. орт. н.* Юргин энди олиб борай уйимга, Сайр этказай бўстониимга, жойимга. «Равшан».

**ЭТКИЗМОҚ** *этноқ I фл. орт. н.* Мингбоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилт эткизиб тиширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЭТЛИ I** Этдор, семиз, тўла. *Этли бола.* — *Этлироқ йиғитларнинг яқтак елкаларидан бир мунча тер нишонлари кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *Эти қалин, гўштдор; ейишли. Этли шафтоли.*

**ЭТМОҚ I** *ёрдамчи фл.* «Қилмоқ», «айламоқ» маъноларида қўшма феъллар таркибига кирати, мас. *давом этмоқ, ташиқил этмоқ, касб этмоқ, лип этиб чиқмоқ, тап этиб тишмоқ, шув этмоқ, ялт этмоқ.*

**ЭТМОҚ II** *диал.* Айтмоқ. *Меҳмонга этмоқ.*

**ЭТНИК** [*p* этнический<грек] Келиб чиқиш жиҳатидан бирор халққа оид ёки хос бўлган. *Аҳолининг этник сос-тави.*

**ЭТНОГРАФ** [*p*] Этнография мутахассиси.

**ЭТНОГРАФИК** [*p* этнографический] Этнографияга оид. *Этнографик материал. Этнографик очерк.*

**ЭТНОГРАФИЯ** [*p<грек*] I Тарих фанининг халқларнинг келиб чиқишини, турмушини, расм-русумларини, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини кўпинча бевосита кузатиш йўли билан ўрганадиган бўлими.

2 Бирор халқнинг ёки бир территориядаги бир неча халқнинг турмуши, маданияти, урф-одатларига хос хусусиятлар мажмуи. *Ўрта Осиё этнографияси. Тарих-этнография кўргазмаси.*

**ЭТСИЗ** Эти, гўшти йўқ, гўшт солинмаган; гўштсиз. *Этсиз шўрва.*

**ЭТТИРИЛМОҚ I** *эттирмоқ I фл. мажх. н.* Акс эттирилмоқ. *Кузатиш давом эттирилмоқда.*

**ЭТТИРИЛМОҚ II** *эттирмоқ II фл. мажх. н.* Болаларга ашула эттирилди.

**ЭТТИРМОҚ I** *этноқ I фл. орт. н.* Ўқини давом эттирмоқ. *Гапни давом эттирмоқ.* — *Боғча боқар болани, Сайр эттирар даланни. Вақтида ухлатади, Қувноқ айтиб аллани.* «Кўшиқлар».

**ЭТТИРМОҚ II** *этноқ II фл. орт. н.* *Ўтган кун уйимизда йиғилишиб ўтириб, Маза қилдик, бузимга ҳикоя эттириб.* Қ. Муҳаммадий.

**ЭТХҲҲ I** *айн. гўштхўр.*

2 *кўчма* Одамхўр, қонхўр.

**ЭТЮД** [*p<фр*] I Тасвирий санъатда: бирор нарсанинг ўзига қараб ишланган дастлабки, хомаки расм, скульптура, чизма (эюд катта асар учун материал бўлиши ва шунингдек мустақил асар бўлиши ҳам мумкин).

2 Музыка асарининг машқ учун ёки мустақил ижод тариқасида ёзилган бир тури.

3 Бирор масалага бағишланган, унчалик катта бўлмаган илмий асар тури.

4 Шахмат ва шашка ўйинида: ютиш ёки дуранг қилиш ечимини топиш учун бериладиган позиция, масала.

**ЭФЕМЕР I** [*p<грек*] қ. *эфемерлар.*

**ЭФЕМЕР II** [*p* эфемерный] Вақтля, узоқ давом этмайдиган, ўткинчи. *Агар иситма бир-икки кунгина чиқса, эфемер иситмалаш дейилади.* Н. Исмоилов, Қасалларни парварниш қилиш.

**ЭФЕМЕРЛАР** Баҳорда униб чиқиб, тез (бир неча ҳафта давомида) уруғлайдиган ва ёзда қовжираб, қуриб қоладиган ўтларнинг умумий номи.

**ЭФӢР** [*p<грек*] I *эск. физ.* 19 асрдан то 20 асрнинг 20—30 йилларигача ўтган физикларнинг тасаввурига кўра — юлдузлараро, планеталараро олам фазосини ва материяда атомлараро, молекулалараро бўш жойларни тўлдирган қандайдир муҳит, субстанция. *Илгари физиклар ёруғлик ва электр-*

-магнит тўлқинлар эфир орқали тарқалади деб ўйлаганлар. — *Эфирнинг тебранишлари бизнинг ёруғликни сезишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

2 Осмоннинг, жаҳоннинг радиотўлқинлар тарқаладиган фазоси, ҳавоси. *Эфирга чиқмоқ. Эфирда яшати-тирмоқ. Эфирдан келган хабар.*

3 *хим.* Ўсимликлар таркибида бўладиган хушбўй суюқ органик моддаларнинг умумий номи (медицинада эт ўлдирувчи дори, техникада эритувчи сифатида ишлатилади). *Содда эфирлар. Олтинёгурут эфирли. Этил эфир. Пахта ёғи глицерин билан ёғ кислотасининг мураккаб эфиридир.*

**ЭФИРЛИ** Эфир берадиган, таркибида эфир бўлган. *Эфирли аралашма. Эфирли ўсимликлар.*

**ЭФФЕКТ** [*p<лат*] I Иш, фаолият ва ш. к.нинг натижаси. *Иқтисодий эффект. Рационализаторлик таклифларидан олинган эффект. Даволанишдан олинган эффект.*

2 Мослама, қурилма ва ш. к. воститасида вужудга келадиган зўр таъсир, таассурот. *Шовқин эффекти (театрда).*

3 *физ.* Физик ҳодиса. *Фотоэлектрик эффект.*

**ЭФФЕКТИВ** [*p* эффективный] Яхши амалий натижа, эффект берадиган; унумли, фойдали. *Эффектив чоралар. Эффектив ўғит.* || *Маблагдан эффектив фойдаланмоқ.* | *Энг юқори унум, натижа берадиган, мукаммал. Эффектив машина.*

**ЭФФЕКТИВЛИК** *эффектив с. белги оти.*

2 **ЭФФЕКТЛИ I** *айн. эффектив.*

2 Кучли таъсир кўрсатадиган. *Эффектли кўриниш.*

**ЭФФУЗИВ** [*p* эффузивный] *геол.* Отилиб чиқиб қотиб қолган, вулканик. *Эффузив тоғ эгинси.*

**ЭФФУЗИЯ** [*p<лат*] *геол.* Тоғ жинсларининг, вулканиннинг отилиш ҳодисаси, процесси.

**ЭХИНОКОКК** [*p<грек*] Ит, мушук, бўри ичакларида бўладиган, уруғи уй хайвонлари орқали одамга ўтса, мия, ўпка, жигар ва бошқа ички органларга жойлашиб, ўсиб, ғумбакка айланиб оғир касаликка, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўладиган тасмасмон гижжа.

**ЭЧКЕМАР I** *зоол.* Қалтақесакларнинг бўйи 1,5 метргача етадиган, турли жониворлар билан овқатланадиган энг катта тури. *Қарасам, лўла болишидек баҳайбат бир махлуқ — эчкемар, ҳансираб ётибди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамоннинг йўли.

2 *қ. х.* Узумнинг бир хили; қизил, хусайнига ўхшаш узум.

**ЭЧКИ** Қувур шохлилар оиласига мансуб, кавш қайтарувчи жуфт туёқли сутэмизувчи хайвон. *Хонаки эчки. Тоғ эчкиси. Эчки сүти. Эчки жунни. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Мақол.* — *Эчкиларга ҳамма хай-*

рон; нега Орифнинг экиси бир туққанда иккита туғар экан-у, колхознинг эчилари нуқул биттадан туғар экан. А. Қаххор, Қўшчинор. Эчки соқол 1) эчкининг соқолига ўхшаган узун, чуққи соқол; 2) шундай соқолли одам.

**ЭЧКИИЧАК** Дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб. кўп йиллик ўсимлик.

**ЭЧКИСОҚОЛ** (тўғриси эчки соқол) қ. эчки.

**ЭЧКИЧИ** Эчки боқувчи, етиштирувчи чорвалор.

**ЭЧКИЧИЛИК** 1 эчкичи с. касб оти.

2 Эчки боқиш, етиштириш.

**ЭЧКИЭМАР** айв. эчкемар.

**ЭШ** 1 Ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик. Кўп ўтмай янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йигитларидан дўст-эш орттирди. А. Мухтор, Чинор.

2 диал. Жуфт. Бир эш маҳси.

3 диал. Бола туғилгандан кейин тушадиган қобикнинг қолдиғи; йўлдош.

4 Эш (эркаклар исми).

**ЭШАК** 1 Якка туёқлиларга мансуб, қулоқлари узун, сүтэмизувчи, отдан кичик иш хайвони. Ёввойи эшак. Хонаки эшак. Ёли қуюқ эшакдан яғир бўлган от яхши. Мақол. || Эшак арава эшак қўшиладиган кичик арава. Қишлоқ деҳқонлари қўқон араваларда, эшак араваларда ўрик, тут, терак саржинлари.. ва шунга ўхшаш нарсалар юклаб бормоқда эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Бефаҳм, ҳеч нарсага қизиқмайдиган одам ҳақида. Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак. Мақол.

3 (талаффузда эшшак) сўк. Аҳмоқ, нобакор.

4 Тўрт ёки кўп оёқли узун скамейка, ўтиргич. Мулла Обид жавоб ўрнига қўл силтаб, Берди татар ўтирган ёғоч эшакнинг иккинчи бошига келиб ўтиради. А. Қодирий, Обид кетмон.

5 диал. Чаён.

6 с. т. Харақ. Дутор эшаги.

7 с. т. Гимнастика машқлари учун белгиланган тўрт оёқли узун, усти чарм билан қопланган мослама; козёл.

◆ Эшак еми бадавда пуфакчалар хосил бўлиб қаттиқ қичиштирадиган тери касаллиғи; аллергия. Эшак курт зоол. тенгоёқли қисқичбақасимонлар туркумига кирадиган, тўқ бинафша, бир неча жуфт рангсиз оёқли умуртқасиз мўйловли жонивор. Димоғидан эшак курт ёғилади қ. димоғ З. Эшагига яраша тушови қ. зушов.

**ЭШАКВОЙ** 1 фольк. Халқ эртакларининг эшак образли қаҳрамони, персонажи (одатда бу образда ўжарлик, аҳмоқлик хусусиятлари мужасамланади).

2 сўк. Тентак, аҳмоқ (кўпинча болаларга нисбатан айтилади).

**ЭШАКМИЯ** Дуккаклиларга мансуб, кўп йиллик, уруғи заҳарли ёввойи ўт.

**ЭШИЧВА** Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

**ЭШДОШ** Эшлари бир, жуфт. Эшдош ундошлар лингв. бир жуфтни ташкил қиладиган ундошлар (мас., п. ва б, т ва д).

**ЭШЕЛОН** [р<фр] 1 ҳарб. Махсус юк, техника, артиллерия, танк ва қўшинлар ортлган поезд. Ҳарбий эшелон.

2 ҳарб. Кетма-кет саф тортган қўшинларнинг бирин-кетин жойлашган қисми. Биринчи эшелон. — Авиаразведканинг маълумотига қараганда, душман биз тарафга иккинчи эшелонини бурган. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Бир хил юк ортлган, бир мақсад билан жўнатилган поезд ёки автомобильлар колоннаси. Пахта ортган эшелонлар кетма-кет ўтмоқда.

**ЭШИК** 1 Уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишда ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама. Уймакор эшик. Кабинет эшиги. Кўча эшиги. Ҳовли эшиги. Эшикнинг занжири. Эшикни очмоқ. Эшикни тақиллатмоқ. Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан. Мақол. — Боғча эшигини очиб қўяман, бамайхотир. Қўёни бўлса узоқ бир жойга узатдим. Ҳамза, Майсаранинг иши. Худоёр 1283 йил тахтага ўтиришида эшиги очиқ — бўйи хазинагагина эга бўлган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 диал. Ҳовли, уй-жой; хонадон. [Мирзакаримбой:] Эшигимда жуذا кўп одамлар ишлаган. Ойбек, Қутлуг қон. — Эшигини топа олдинеизми? — Топдим. Айтганингиздек, унинг эшигини Тошкентда ҳар ким билар экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эшик супурмоқ 1) ҳовли супурмоқ; 2) хизматкор бўлиб ишламоқ, хизматкорлик ишларини бажармоқ. Хуфтон ётиб азонда турар, Эртаю кеч эшик супурар. Ҳ. Олимжон. [Жамила:] Мен сизни ўла-ўлағунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай. Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Ташқари; кўча. Эшик совуқ. Эшикка чиқмоқ 1) уйдан чиқмоқ, ташқарига чиқмоқ, ҳовлига чиқмоқ; 2) ёзилгани чиқмоқ, ёзилоқ.

3 кўчма Бир мақсадга, ерга ва ш. к.га бошловчи, йўл очиб берувчи бўсаға. Бахт эшиги кўриниб турибди. Ҳ. Ғуллом, Машъал. Бизга илму маърифат эшигини очди Қирқ уч йил илгари ота-хон Ленин. Ғ. Ғуллом.

**ЭШИКМА-ЭШИК** рви Бир эшикдан иккинчи эшикка, иккинчидан учинчисига ва ҳ. к., ҳовлидан-ҳовлига, уйдан-уйга. Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб «Барот келди..» ашуласини айтар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЭШИК-ТЕШИК** Эшик ва эшикчалар, эшиклар ва тешик-гуйнуқлар. Қани энди яқин жойда эшик-тешик бўлса эканки, [Мунаввар] ўзини четга олса. С. Анорбоев, Мехр.

**ЭШИКЧА** Кичкина эшик (қафас, қопқон ва ш. к.да). У ичига катта оқ

каламуси қамалган қопқонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЭШИК-ЭЛИК** айв. эшик-тешик.

**ЭШИЛМОҚ** эшмоқ 1 1 фл. ўзл. ва мажх. н. Осмонга эшилиб чиққан қуюн. Пилик яхши эшилди. Қора чой тайёрлашда барелари аввал қурилади ва эшилади. — Дадашев ўртага [рақсага] тушиди. Унинг оёқлари майин йўрғалаб, қовурғалари эшилиб кетди. И. Раҳим, Тақдир. Ипакдек (ёки ипак бўлиб) эшилмоқ 1) ипакдек ўралмоқ, чирмашмоқ; 2) кўчма латиф, чиройли ҳаракатлар билан муқом қилмоқ. Раққоса ипак бўлиб эшилар; 3) кўчма ипакдек мулойимлик билан хушомат, мулозамат қилмоқ; 4) кўчма бир-бирининг тилини топиб бир бўлиб киришиб кетмоқ, бир-бирининг ичига кириб кетмоқ. Қизлар билан ботиқлар ипак бўлиб эшилдилар. «Эртақлар».

**ЭШИТИЛМОҚ** эшитмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Оёқ товуши эшитилди. Масала умумий мажлисда эшитилди.

— Саудий тилар-тиламас кўзини очиб, эшитилар-эшитилмас жавоб берди. А. Қаххор, Сароб. «Уруш» деганда бизнинг қулоғимизга гумбурлаган товушлар эшитилади. А. Қаххор, Хотинлар. Унинг товушида шу қоққа эшитилмаган бир синиқлик оҳанги бор эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЭШИТИШ** 1 эшитмоқ фл. иш оти. Ҳикояни эшитиш асноси имода бир фикрини вазияти бор эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Товуш тўққилларини қабул қила билиш қобилияти. Эшитиш органи.

**ЭШИТМОҚ** 1 Товушни эшитиш органи орқали қабул қилмоқ. Унинг қулоғи қар, эшитмайди. | Қулоқ солмоқ, тинглармоқ. Музыка эшитмоқ. Гапир, мен эшитаман. Тўхтанг, бир оғиз гапим бор, эшитиб кетинг. Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эши! Мақол. — Мадурар Ғулломжоннинг далилларини кунт билан эшитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йўлчи бу сўзларни эшитди-да, ўз қулоқларига ишонмади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Билмоқ, хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, бошқаларнинг гап-сўзларидан билиб олмақ. Кўрган билан эшитган бир эмас. Мақол. Тешик қулоқ эшитмай қолмас. Мақол. — Иброҳимов бу тўғрида маълум бир қарорга келиб қўйган, лекин домласининг фикрини эшитмасдан бурун айтгани, дарҳақиқат, тортишиб турган эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Қумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар.. совчиларини турна қатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ўқимоқ, мунтазам равишда қатнаб билим олмақ. Математика курсини эшитмоқ. Шарқ тарихидан лекция эшитмоқ.

4 Кўриб чиқмоқ, муҳокама қилмоқ. Докладни эшитмоқ. Директорнинг ҳисоботини эшитмоқ.

5 *кўйма* Сезмоқ, англамоқ, фах-ламоқ. *Рузвон хола буларнинг ҳаммасини қулоғи билан эмас, дили билан эшитиб, фахмалб турибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Ички хис-туйғуларга қулоқ солмоқ. *Қўрбоши кички кишининг хун баҳолариди» деб қичқирмоқда бўлган виждон садосини эшитиб ўтирмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *Оғзаки танбех, таъзир* ва ш. к. емоқ, олмақ. *Сени деб роса гап эшитди.* ■ *Искандаров бошқармадан эшитадиганини эшитди.* С. Ахмад, Лаъли Бадахшон. *Эр-хотиннинг орасига тушган киши баъзан ўша тобда, ажари кейинчалик, сўкиш эштади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

7 (*фақат сўроқ ф-да*) Гапни таъкидлаш, уқдириш учун ишлатилади. *Чиндан айтаётибман, эшитаялсанми?! — Хўй! — деди Зайнаб ва эшитдингми дегандек қилиб эрига қараб олгандан кейин уйдан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЭШИТТИРИЛМОҚ** эшиттирмоқ *фл. мажх. н.* *Мажлисда кандидатлар рўйхати ўқиб эшиттирилди.* ■ *Маҳаллий радио орқали Нодирнинг магнит плёнкага ёзиб олинган овози эшиттирилди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ЭШИТТИРИШ** 1 эшиттирмоқ *фл. иш оти.*

2 Радио ёки телевидение орқали товушни узатиш, юбориш; радио ёки телевидение орқали узатиладиган концерт, лекция ва ш. к. Болалар учун эшиттириши. *Эшиттиришлар программаси.* *Бугунги эшиттиришимиз тамом бўлди.*

**ЭШИТТИРМОҚ** 1 эшитмоқ 1, 2, 6 *фл. орт. н.* *Хабарни ҳаммага эшиттириб қўймоқ.* ■ *Шунча келади, ҳафталаб, ўн кунлаб туриб қолади, наинки шу чоққача мулла Норқўзига товушини эшиттирмас!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Қиз ўз овозини бошқаларга узоқдан эшиттириши ҳам гуноҳ.* У секин куйлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Радио воситасида лекция, концерт, суҳбат ш. к.ни узатмоқ, радио тўлқинларини юбормоқ. *Концерт эшиттирмоқ.* *Москвадан олиб эшиттирмоқ.*

**ЭШИТУВЧИ** 1 эшитмоқ *фл. иш оти.* 2 Тингловчи, қулоқ солувчи. *Радио эшитувчилар.* ■ *Агитация агитаторгагина мослашиб қолмай, эшитувчиларга ҳам мослашиши керак.* В. И. Ленин, Россия социал-демократиясида орқага қараб йўл олиш.

3 Лекция, курс, ўқиш ва ш. к.га мунтазам равишда қатнашувчи студент, ўқувчи. *Механизаторлик курсларининг эшитувчилари.*

**ЭШКАК** Қайиқни ҳаракатга келтириш ва бошқариш учун хизмат қиладиган узун дастали ёғоч курак. *Қайиқ борар, Эшкак сувни ёрар.* Х. Пўлат. *Эшкак урмоқ (ёки тортмоқ,*

*эшмоқ)* эшкак билан қайиқни ҳаракатга келтирмоқ.

**ЭШКАКЛИ** Эшқаги, эшкаклари бўлган. *Саккиз эшкакли қайиқ.*

**ЭШКАКЧИ** 1 Одам ва юкларни дарёдан ўтказишни ўзига касб қилиб олган киши; қайиқчи. *Қайиқ соҳилга чиққач, эшкакчи қайиқни толнинг поясига боғлайди.* А. Эшон, Лениндан гул қарздорман.

2 Эшкак урувчи, эшкак тортиб қайиқни ҳайдайдиган киши; қайиқ хайдовчиси. *Бизнинг қайиқда моҳир эшкакчи бўлмаган одам ортиқча юк.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЭШКИЛ-КИШАН** Занжир, кишан. *Бир гуноҳқорни ёки гуноҳқор саналган бир кишини тутиб келтирадилар, уни қамаб, оёғига эшил-кишан ёки кунда урадилар.* Айний, Жаллодлар.

**ЭШЛИК** 1 эш с. *мавх. от.*

2 Эшларга хос муомала, муносабат, дўстлик, ўртоқлик муносабатлари. *Эшлик қилмоқ.* ■ *Кулунтой ҳам унга қилиб эски эшлик, Ургатибдир Қўкнчага жувозкашлик.* Ғ. Фулом.

**ЭШМА** Эшиб ясалган, чийратма, пишиқ. *Эшма ип.* | Буралма. *Эшма устун.*

**ЭШМОҚ** 1 1 Айлантириб, бураб, товлаб пишиқ қилмоқ; пишитмоқ, чийрамоқ; йигирмоқ. *Ип эшмоқ.* *Қамиш эшмоқ.* *Белбоғни эшиб боғламоқ.* *Арқон эшмоқ.* ■ *Мен ҳам тек турмасдим — мактаб маҳалигача онам ёнидан жилмай пахтани чигриқдан чиқарар, калава ўрар, пахта савар, ҳатто пилта ҳам эшиб берардим.* Ё. Шукуров, Қасос.

2 *Кўйма* Ўрнига қўймоқ, ўринлатмоқ, қойил қилмоқ, қўймоқ. *Гапни эшадиди!* ■ *Гоҳо Юсуф амаким қўлига дуторини оларди-да, шундай эшиб чалардики, юрагимизни сув қилиб юборарди.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

◆ *Ип Эшмайди қ. ип.*

**ЭШМОҚ** 2 Эшкак билан қайиқни ҳаракатга келтирмоқ; эшкак урмоқ, тортмоқ. *Лаби чўчайган кичкинагина санитар қиз эшкак эшарди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ЭШОН** [ф-т] Диндорлар орасида маълум обрў қозонган рухоний, дин кишиси. *Ихлосманд кўпайса, эшон кутуради.* Мақол. ■ *Бу эшон биров билан сўзлашганда ўзини худди кимга қайси жаннатдан ўрин бериш тўғрисида худо билан сўзлашиб келгандай тутарди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

**ЭШОНЗОДА** [ф-т] Отаси эшон бўлиб ўтган, эшонлардан тарқаган шахс, эшон боласи, авлоди.— *Узимиз Тошкентлик бўламиз, эшонзодаларданмиз, Мадраса кўрган муллоий забардастлардан бўламиз,— деди домла.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ЭШОНОЙИМ** (тўғриси эшон ойим) қ. ойим 2.

**ЭШОНПАРАСТ** [ф-т] Эшонларга қўл берган, уларга сизгинувчи, ўтакетган диндор киши.

**ЭЪЗОЗ** [а] 1 Хурмат, иззат, эҳтиром, **Эъзоз қилмоқ (ёки кўрсатмоқ)** 1) иззат-хурмат қилмоқ, хурмат кўрсатмоқ, эъзозламоқ. *Кудаларнинг кўрсатган эъзоз ва эътиборидан мамнун бўлса-да, унинг хотири паршон, кўнгли нотинч эди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) қадрламоқ, қадр қилмоқ, ардоқламоқ.

2 **Эъзоз (эркаклар ва хотин-қизлар исми).**

**ЭЪЗОЗ-ИКРОМ** [а] Эъзоз ва икром, хурмат ва иззат, иззат-икром. **Эъзоз-икром билан кутиб олмақ.** ■ *Биз Маликага эъзоз-икром билан жой кўрсатдик, у настроқдаги стулга ўтириб, иббо билан ера қаради.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ЭЪЗОЗЛАМОҚ** 1 Эъзоз қилмоқ, хурмат, иззат-икром кўрсатмоқ, ҳурматламоқ. *Хизмати халққа манзур бўлган кишини ҳамма эъзозлайди.*

2 Қадрламоқ, қадрлаб асрамоқ, ардоқламоқ. *Соф муҳаббатни эъзозламоқ.*

**ЭЪЗОЗЛАНМОҚ** эъзозламоқ *фл. мажх. н.* *Эъзозланишга лойиқ одам.*

**ЭЪЗОЗЛИ** 1 Эъзозлаган лойиқ, эъзозга сазовор; ҳурматли. *Эъзозли меҳнат.*

2 Қадрли, ардоқли. *Эъзозли меҳмон.*

**ЭЪЛОН** [а] Қўлчиликка етказилиши зарур бўлган хабар, буйруқ, янгилек, фармон. | Шундай хабар ёзилган қоғоз, ҳужжат, билдириш. *Газетадаги эълон.* *Эълон ёзмоқ.* *Эълонни кўришишли жойга осиб қўймоқ.* *Эълон тахтаси.* **Эълон қилмоқ** 1) ҳаммага маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Мажлис ҳақида эълон қилмоқ;* 2) тантанали суратда билдирмоқ. *Дохиймиз ишчи-деҳқонлар ҳукумати ўрнатилганини бўтун дунёга эълон қилди.* Х. Фулом, Машъал; 3) бермоқ, билдирмоқ. *Виговор эълон қилмоқ.* ■ *Армия кунда командир Элмуродга ташаккур ҳам эълон қилди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЭЪЛОННОМА** [а+ф-т] Ёзма эълон, билдириш; муурожаатнома. *Ўрмонжон.. бу эълонномани ўқиб аввал хит бўлди, кейин кулисис қистади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЭЪТИБОР** [а] 1 Бирор кимса ёки нарсага қаратилган диққат-назар, фикр, ёд. **Эътиборини ўзига тортмоқ.** **Эътибор билан разм солмоқ.** | Парво, писанд, аҳамият. **Эътибор бермоқ (қилмоқ)** ■ *Эй, дўст дўстнинг аҳолига эътибор бермайдими?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Эътиборга олмақ** 1) ҳисобга, назарга олмақ. *Қўп иллик меҳнатини эътиборга олмақ;* 2) инобатга олмақ, қабул қилмоқ. *Ваъдасини эътиборга олмақ.*

2 Бошқаларга, оммага таъсир ўтказиш кучи; омма ўртасида орттирилган ном, обрў, ишонч, нуфуз. *Унинг эътибори кундан-кунга ошмоқда.* *Эътибори кетди.* *Эътибори йўқолди.* ■ *Мутавалли авом одам, у бизнинг хизматкоримиз, унинг гапининг нима*

эътибори бор. Айний, Куллар. **Эътибордан қолмоқ** (ёки тушмоқ) 1) обрўсини йўқотмоқ. *Юлғичлар, албатта, халқ эътиборидан қолиб шарманда бўладилар;* 2) бекор қилинмоқ, ўз кучини йўқотмоқ. **Эътибор қозонмоқ** (ёки топмоқ) обрў қозонмоқ, яхши ном чиқармоқ. *Нормухаммад қушибеги олдида ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тошкент чаманзор Бутун халқ ичиди топди эътибор. Х. Расул.

3 Эътибор (хотин-қизлар исми).

◆ **Эътибори билан** жиҳатидан. *Принцип эътибори билан.*

**ЭЪТИБОРАН** [а] кўм. (ч. к. билан) Бери, -дан бошлаб, -дан буён. *Бу кундан эътиборан.* ■ *Еноқдан эътиборан сойга тушеунча кўндаланг эътибори алоҳида тахта бошланади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЭЪТИБОРЛИ** Эътибори, обрўси, нуфузи бўлган, сўзи ўтадиган; нуфузли, ишончли, мўътабар. *Қишлоқнинг эътиборли кишилари.* Эътиборли манбалар. ■ *Эътиборли меҳмонни ўзбек карнай-сурнай билан кутиб олади.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ЭЪТИБОРСИЗ** 1 Эътибори, обрўси, нуфузи йўқ, эътибордан қолган, нуфусиз, обрўсиз. *Эътиборсиз одам.* ■ *Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.* Навоий.

2 Назар-писанд қилмайдиган, берпарво; менсимайдиган. *Мен бу диссертация деб худди бўлиб кетдим, сенга эътиборсиз бўла бошладим.* А. Мухтор, Чинор. *Анавар ўтирар экан, эътиборсиз қўл силтади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **ЭЪТИБОРСИЗ** қолдирмоқ назар-писанд қилмай, эътиборга олмай, оқибатсиз қолдирмоқ. *Арза эътиборсиз қолдирилди.*

3 Бекор қилинган. *Эътиборсиз ҳужжат.*

**ЭЪТИДОЛ** [а] эск. кт. Бир текисдаги, мўътадил ҳолат, мувозанат. *Анварнинг кўнглидаги қоронғилик ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан чиқиб йғри кишидек атрофга қарана бошлади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЭЪТИМОД** [а] 1 Самний, тўғри, одил деб ҳисоблаб қаттиқ ишонич, шунга асосланган ишонч. *Агар ҳақиқатни айтмиса, хон ўздан бошқа ҳеч кимга эътиمود қилмайди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Кўз тутилган, ишонилган кимсadan кутилган, унга боғланган умид, ишонч. *Биз келажакка ишонган улур халқимиз. Шунинг учун ҳам ёшларга эътимодимиз катта.* ■ *Эндиликда чол-кампир толган-тутганини Топилга атаган, бутун эътимодини шу кенжа ўғилга қўйган.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ЭЪТИМОДЛИ** Эътиمود қилса, ишонса бўладиган; ишончли. *Эътимодли чўпон ҳам бор.* Айний, Дохунда.

**ЭЪТИМОДНОМА** эск. диал. Ишонч ёрлиги, ваколатнома, ваколат ҳақи-

даги расмий ҳужжат. *Элчи эътимодномасини топширди.*

**ЭЪТИРОЗ** [а] Бирор нарса, тақлиф, иш-ҳаракат ва ш. к.га қарши фикр; қаршилик, норозилик. *Қатъий эътироз. Бу тақлифга эътироз борми? Эътироз билдирмоқ. Эътироз қилмоқ. Меҳнаткашларнинг талаб ва эътирозларига сезгир бўлиш зарур.* ■ *Муҳаммад Расул хўжайиннинг кайфи ўзгаргани учун ўйлаган эътирозини айтишга ботинмай турди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ЭЪТИРОЗЛАНМОҚ** кам. қўлл. Эътироз билдирмоқ. — *Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмаслиқнинг унча кераги йўқ, — деди Ҳомид эътирозланиб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЭЪТИРОЗИЗ** рвш Эътироз билдирмай ёки билдирилмай; сўзсиз. *Эътирозсиз «хўп» деди. Кун тартиби эътирозсиз қабул қилинди.*

**ЭЪТИРОФ** [а] Бирор гап, фикр, иш-ҳаракат ва ш. к.ни тўғри, ҳақиқат деб билиш, қабул қилиш, уларни тан олиш, уларга иқдор бўлганлик ва ш. к. ҳақидаги тасдиқ. *Ҳақиқатни эътироф қилмоқ.* ■ *У бу эътирофни кўзлари билан, термилиб боқишлари билан жуда аниқ билдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЭЪТИҚОД** [а] 1 Қаттиқ ишонч, маҳкам ушланган маслақ, дунёқараш. *Большевик эътиқод. Партиявий эътиқод. Ёшларда коммунистик эътиқодни вужудга келтириш.* ■ *Унинг эътиқодича одамод фақат маориф орқалигина бахтиёр бўлади.* Ҳамза.

2 Бирор кимсга ёки нарсага бўлган ишонч, эътиمود, унга боғланган умид. *Шербек бу одамни гойибона танчир, унга эътиқоди баланд эди-да!* С. Анорбоев, Оқсой. *Жўрабой отанинг командир йигитга эътиқоди ўн чандон ошди.* Х. Ғулум, Машъал.

3 Худоба ёки умуман бирор ғайритабиий кучга ишонич; имон, дин. *Диний эътиқод.* ■ *Ҳиндистондагиларнинг эътиқодича, маймунлар ва сизирлар муқаддасдир.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. | *Халқ орасида қадим замонлардан сақланадиган, кўпинча хурофотга асосланган фикр, ривоят, афсона. Эски эътиқод бўйича сариққа дучор бўлган кишининг касали .. балиқларга ўтиши керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ЭЪТИҚОДЛИ** 1 Ўз эътиқодида, маслағида қаттиқ турадиган, ўзгармайдиган. *Идеология соҳасидаги эътиқодли жангчи.*

2 Дин ва худоба ишонувчи, диндор, художўй.

3 кам қўлл. Ишончли, эътимодли, содиқ.

**ЭХ** унд. с. 1 Завқ-шавқни, қувончни, шодликни билдиради. — *Эҳ! — деб юборди Сангин ўз ўйидан ўзи завқланиб.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ям-яшил ўтов ичра ясаб бир хўжра, Қўйсанг агар патефон, Эҳ, .. роҳатижон.* Х. Салоҳ.

2 Афсусланиш, ачиниш, ўқинч ёки пушаймонни билдиради. *Эҳ, бу дунёнинг иши-я. На хотин! На кулба!* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Умидни, истакни билдиради. *Эҳ, қани энди бир чойнак ачиқ чой бўлса.* ■ *Эҳ, тоғ халқининг тўйини кўрмаб-сиз.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Эҳ, дадаси тўтароқ қайтганда, шўрва қайнатишган бўларди.* Х. Назир, Сўмас чақмоқлар.

**ЭХА** унд. с. Ажабланиш, таажжуб ёки қувонч, шодликни билдиради. *Эҳа, олиб келдинизми, ниҳоят!* ■ *Эҳа, сиз ҳали хотинларнинг гапини кўтариб келдинизми бу ера. Қўх-қўх, э омон бўлинг-э!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЭХЕ** айн. эҳа.

**ЭХЗОН** [а]: кулбаи эҳзон поэт. ғам-хона, ғам-ҳасрат уйи, қайғу ҳукм сурган кулба. *Бир қўлмаганин ҳоли паршонима сўзлаб. Бир келмаганин кулбаи эҳзонима айтинг.* Х. Ғулум, Машъал.

**ЭХРОМ** [а] 1 эск. айн. пирамида 1, 2.

2 Пирамида шаклидаги бино, ишшоот. *Миср эҳромлари* Қадимги Миср фиръавнларининг пирамида шаклида қурилган катта тош соғоналари. *Мисрнинг кўк ўпар эҳромларини Қай куч қилди кекса Памирга ўйдош.* Зулфия.

3 дин. Ҳажга боришдан олдин маълум давр давомида атир сепиш, соқол-мўйлов олиш каби дунёвий ишлардан воз кечиш ва Миср, Йроқ каби мусулмон давлатлари чегараларига етгандан сўнг оқ кийимга, одатда, тикилмаган оқ матога ўралиш ва шундай матонинг ўзи.

**ЭХСОН** [а] 1 Хайрли, савобли иш, кори хайр; эзгулик. *Бахил эҳсондан қочар, ҳасис меҳмондан (қочар).* Мақол. *Еги йўқ, қаймоғи йўқ чойи қурсин, хайри йўқ, эҳсони йўқ бойи қурсин.* «Фольклор».

2 дин. Худо йўлига бериладиган зиёфат, хайр-садақа, хайр-саховат, хайр-эҳсон, худойи.

3 Умуман ҳада, инъом. *Эҳсон бермоқ.* ■ *Бу юртимда шоҳлик даврон сурганлар. Подшоликдан инъом-эҳсон олганлар.* «Муродхон». [Машшоқ] *Отабекдан катта-катта эҳсонлар кўргани учун, вақтнинг кечлигига ҳам эътибор қилмай, кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Эҳсон (эркаклар исми).

◆ **Табиат эҳсон** табиат инъом, табиат ноз-неъматлари ва ш. к.

**ЭХСОНЛИ** 1 Хайрли, савобли ишларга доим тайёр, шундай ишларни кўп қилиб турадиган.

2 дин. Кўп хайр-эҳсон, худойи қилиб турувчи; художўй.

3 Саховатли, қўли очиқ.

**ЭХТИДО** [а] Тўғри йўл билан бориш; оғмаслик.

**ЭХТИЁЖ** [а] Бирор нарсага бўлган талаб; ҳожат, зарурат, зарурият, муҳтожлик. *Эҳтиёж сезмоқ. Эҳтиёждан чиқармоқ. Маданий-маиший эҳтиёж*

ларни қондирмоқ. Ортиқча изоҳга эҳтиёж йўқ. Унинг пулга эҳтиёжи йўқ. Аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари. — Бора-бора чўл саҳрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи оша борди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. У ҳозир сўзлашга ички бир эҳтиёж сезди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳовлининг тўрт тарафи турли эҳтиёж бинолари билан .. ўралган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЭХТИЁТ** [а] Узоқни кўриб, олдини олиб иш тутиш. *Эҳтиёт юзасидан. Эҳтиёт чоралари.* — Эл тинч, тўқ, душман йўқ, Хар кимда эҳтиётга Бир милатиқ бўлсин. Ғ. Фулом. **Эҳтиёт бўлмоқ** 1) эҳтиёт чоралари кўриб иш тутмоқ, огоҳ бўлмоқ, сақланмоқ. *Эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма. Узинга эҳтиёт бўл, қўшинини ўғри тутма.* Мақол; 2) кўз-қулоқ бўлиб, огоҳлик, зийраклик билан, авайлаб сақламоқ. *Боланга эҳтиёт бўл! Анави кампир ўғир, бойини буйруғи билан болангни эзиб ташламоқчи экан. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Эҳтиёт тутмоқ кам қўлл. айн. эҳтиёт бўлмоқ. Эҳтиёт қилмоқ* 1) эҳтиёт чораларини кўриб сақламоқ, асрамоқ, авайлаб тутмоқ. *Қиз — биллур қадаҳ. Эҳтиёт қилмасанг, қўлингдан тушиб кетади.* Шухрат, Шинелли йиллар; 2) тежамоқ, тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қилмоқ. *Уқни эҳтиёт қил! Мўлжалли аниқ ол! Х. Фулом, Машбал;* 3) авайлаб сақламоқ, бекитиб қўймоқ. *Ҳужжатларни эҳтиёт қилмоқ.*

◆ **Эҳтиёт фонди** запас қилиб, ғамлаб қўйилган ва керак бўлса ишга солинадиган маблағ, хомашё ва ш. к.

**ЭХТИЁТКОР** [а+ф-т] 1 Олдиндан эҳтиёт чоралари кўриб, эҳтиёт бўлиб, олди-кегини ўйлаб иш қиладиган, эҳтиёткорона иш тутадиган, тадбирли, тадбиркор. *Эҳтиёткор одам. || Ҳа, Рустамбек ҳар ишда эҳтиёткор.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қиладиган, исрофгарчиликка йўл қўймайдиган; тежамкор, режали. *Эҳтиёткор бичқичлар.*

**ЭХТИЁТКОРОНА** [а+ф-т] рвш Эҳтиёткорлик билан, эҳтиётлик билан, эҳтиёт бўлиб ёки эҳтиёт қилиб. *Эҳтиёткорона иш тутмоқ. Эҳтиёткорона муомала қилмоқ.*

**ЭХТИЁТЛАМОҚ** кам қўлл. айн. эҳтиёт қилмоқ қ. эҳтиёт. *Ҳужжатларни эҳтиётлаб қўй. Ярани эҳтиётлаб боғламоқ.* — Каниқларда ишлаб топган пулсиз олган бир сидирга уст-бошини беш йил эҳтиётлаб кийди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда. Ҳа .. Нима бало бўлди, кампир, олдиндан эҳтиётлаб қолдинг? Ойдин, Гулсанам.

**ЭХТИЁТЛАНМОҚ** эҳтиётламоқ фл. ўзл. н. айн. эҳтиёт бўлмоқ қ. эҳтиёт.

**ЭХТИЁТЛИК** эҳтиёт с. маъ. от. Саидий ҳаддан ошиб кетди. Ундан эҳтиётлик талаб қилган Ёқубжон билан уришиб, уни «сотқин» деди.

А. Қаххор, Сароб. *Элмурод .. эҳтиётлик билан пастга тушди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЭХТИЁТСИЗ** 1 Эҳтиёт бўлмайд ёки эҳтиёт қилмай иш тутувчи; тадбирсиз. *Эҳтиётсиз бола. || Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кам қўлл. Эҳтиёт қилмай, пала-партиш сарф қилувчи; режасиз, исрофгар.

**ЭХТИЁТЧАН** кам қўлл. айн. эҳтиёткор 1.

**ЭХТИМОЛ** [а] 1 Рўёбга чиқиш, амалга ошиш, юз бериш имконияти; мумкинлик. *Сиз бу эҳтимолга қандоқ қарайсизлар? А. Қодирий, Утган кунлар.* Қизнинг йўқолишини ўйлай-ўйлай турли эҳтимоллардан иккиси ўрта-сида қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Бу даромаднинг қатъиян кесилиши эҳтимол бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Фараз, тахмин, чама. *Бу ҳақда ҳар хил эҳтимоллар, назариялар бор.*

2 модал с. Балки, -са керак, бўлиши мумкин. *Унинг келиши эҳтимол. — Шербек ўшанда ҳол сўраб, эҳтимол, хато қилгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Ҳар эҳтимолга қарши** эҳтимол юзасидан. *Эҳтимолдан узоқ эмас бўлиши мумкин.*

**ЭХТИМОЛКИ** модал с. айн. эҳтимол 2.

**ЭХТИРОМ** [а] Юксак ҳурмат, иззат-икром. *Эҳтиром қилмоқ. Эҳтиром билан салом бермоқ. Зўр эҳтиром билан тилга олмоқ.* — Паҳлавоннинг бу хислатларини узоқда эшитганлар ишонмас, лекин яқиндан танувчилар унинг қобилиятларини эҳтиром қилардилар. Ойбек, Навоий. **Қамоли эҳтиром ва салом билан мактубий** одатда хатнинг охирида имзодан олдин ёзиладиган ибора.

**ЭХТИРОМЛИ** 1 Юксак ҳурматга, эҳтиромга сазовор бўлган; муҳтарам, ҳурматли.

2 Эҳтиромни ифодалайдиган, адабли. *Эҳтиромли муомала.*

**ЭХТИРОС** [а] Зўр ҳис-туйғу, завқ, шавқ, ҳирс. *Эҳтирос билан гапирмоқ. — Эҳтирос туғён урганда, ақл чирроғи хиралашади.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Севишганларнинг қалблари ширин-ширин толтингани-толтинган.* Қўзларидаги мастона эҳтирос тумани оша бир-бирларини кўрадилар, холос. А. Мухтор, Чинор.

**ЭХТИРОСЛИ** 1 Эҳтиросга тўлган, оташин. *Эҳтиросли публицист.*

2 Эҳтиросни ифодалайдиган, жўшқин. *Эҳтиросли сўзлар. Эҳтиросли шеър.*

**ЭХТИРОССИЗ** Эҳтироси йўқ, эҳтиросдан холи, ҳиссиз. *Эҳтироссиз шоир.*

Ю

Ю Ўзбек алфавитининг ўттинчи ҳарфи.

-ю (унлилардан кейин) юкл. Айтн-

лаётган фикрга диққат жалб этиш учун, уни таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. *Буни қамаган минебоши-ю, бу ҳезалок махсум менадан домангир.* Н. Сафаров, Уйғонши. | Норозилик, жирканиш каби салбий муносабатларни ифодалайди. *Шу ҳам иш бўлди-ю! Узи кап-катта бола-ю, қилаётган ишини қара!*

-ю (унлилардан кейин) 1 биркт. боғл. Уюшиқ бўлақлар ва гапларни бир-бирига боғлаш, бириктириш учун хизмат қилади. *Кечаю кундуз ишладик. — [Фуломжон] .. мадрасада айтган гапларим учун қасос олаятти, деб ўйладю, минебошига бориб арз қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 видл. боғл. Тенг эргаш гапларнинг маъносидаги зидликни ифодалайди; «аммо», «лекин», «бирок» маъноларини билдиради. *Уқийдию, мазмунига тушунмайди. Ишни бошладию, битирмади. — Эшитадию, нима тўғрисида сўз бораётганини фаҳмамайди.* А. Умар, Мухтор. *Оқсоқ қоровул ундан [автомобилдан] кўзини олмай, қўлтиқ таёғини тўқилатганича, зиндан тушдию, унга яқин боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмай, анҳор кўригидан бериди тўхтаб қолди.* А. Қаххор, Картина.

**ЮАНЬ** [хит] Хитой Халқ Республикасида пул бирлиги.

**ЮБИЛЕЙ** [р<лат] Бирор шахснинг туғилган куни ёки бирор ташкилот, муассаса ва ш. к.нинг йиллиги муносабати билан жамоатчилик томонидан ўтказиладиган тантанали маросим. *Шоирнинг 80 йиллик юбилеи. Университетнинг 50 йиллик юбилеи. Юбилей йили. Олимнинг юбилейини ўтказмоқ.*

**ЮБИЛЯР** [р] Юбилей нишонланаётган шахс, ташкилот, муассаса ва ш. к. Коммунизм қурилишининг улур программаси, ҳаммамиз қатори, ҳурматли юбиляримиз Мирзо Турсунзода илҳомига илҳом, кучига куч қўшажақдир. «К. Ўзбекистон», 1961, № 276. *Қуёш ўзининг сахий нурларини аямасдан юбиляр республикамизга сочмоқда.* «С. Ўзбекистон», 1964, 13 октябрь.

**ЮБКА** [р] Хотин-қизларнинг белдан пастки уст кийими, шунингдек, аёллар европача кўйлагининг белдан пастки қисми. *Шерсть юбка. Қалта юбка. — У [Фотима] еналарига чиройли қизил кашталар текилган украинча оқ шоий кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЮБОРИЛМОҚ юбормоқ** фл. мажх.н. Район конференциясида вакил юборилди. — Меҳри хуфтонга яқин касалхонага юборилди. А. Қаххор, Бошсиз одам. *Бу нома эртаси кун хонга юбориладиган бўлиб, бунга махсус киши белгиланди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Менда шаҳардан юборилган рўйхат нусхаси бор, ўшандан кўчириб оларсиз.* Х. Шамс, Душман.

**ЮБОРИШМОҚ юбормоқ** фл. бирг. н.



**ЮБОРМОҚ 1** Нарса ёки кимсани бирор томонга ёки жойга йўлламоқ, жўнатмоқ. *Хат юбормоқ, Соғга юбормоқ, Пул юбормоқ, Вакил юбормоқ, Беморни касалхонага юбормоқ.* — Сиз, шаҳаншоҳ, ўша соати музаффарни тайин айлаб, биз қўлларига хабар юборсалар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Куймоқ, киритмоқ. *Врач беморнинг венасига дори юборди.*

3 **(и)б** қўшимчали равишдошлардан кейин кўмакчи феъл вазифасида келиб, иш-ҳаракатнинг тўсатдан рўй берганлигини ва тугалланганлигини билдирадн, мас. *ташлаб юборди, йиғлаб юборди, ичиб юборди, ўқиб юборди.* — *Лектор .. хатга қараб, жаҳл билан яна бир марта «ўртоқлар» дедию, лекцияни бошлаб юборди.* А. Қаххор, Лектор. *Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатаётганида ўшаларни Қудрат акам қочириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Йикки ўртоғим мени, ўзини тутолмас, бир нарса деб бақириб юборар, ..— деб .. хавотир олишяпти,— деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Али таянган буришиқ пешанасини силаб, лаб-лунжини тутолмай, кулиб юборди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

♦ **Жаҳаннамга юбормоқ** нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ. *«Пашша талаптимми, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз, қорачам!» — пашиаларни эзиб давом этди Жўра.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЮБОРТИРМОҚ юбормоқ фл. орт. н.** *Хат юбортирмоқ, Соғга юбортирмоқ.* — *Мабодо ўзим боролмаганимда ҳам, бузимга айтиб, отамни юбортирмаман,— деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Иш кўриладиган кунни, афанди кечикиб қолган эди, қози одам юбортириб олдириб келди.* «Латифалар».

**ЮБОРУВЧИ юбормоқ фл. ш. оти.** *Хат юборувчи. Соғга юборувчи.* — *Йигитали «кимдан экан» деб, телеграммага кўз тикди.* Юборувчининг кимлиги номаълум эди. С. Кароматов, Тор гўзаги. *Мен билан Отабекни қаматиб дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи .. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮВДИРМОҚ ювмоқ фл. орт. н.** *Фосих афанди бўлса, кеча мингбоши катта умидлар билан юдириб, таратиб .. қўйган қора дулдул устида куйдирган калладай иржасайб ўтирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Биров офтобада сув келтириб меҳмоннинг қўлини ювдирса, биров сочиқ тутади.* О. Хусанов, Шннаванда.

**ЮВИЛМОҚ ювмоқ фл. мажҳ. н.** *Йигит ювилган қўлларини сочиққа артди.* Шўр ерлар қишида уч-тўрт бор ювилади. — *Туробжон бўтисини бошидан олди ва қоқмоқчи бўлганида кўзи йиртиқ енгиса тудию,— юраги ачиди, энди уч-тўрт .. ювилган янгигина як-*

*так эди.* А. Қаххор, Анор. *Нотаниш бола ҳамон кетмон уряпти.* Яланғоч бадани терлаб кетганидан офтобада янги ювилган самовардек ялтйрайди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ЮВИНИШМОҚ ювинмоқ фл. бирг. н.** **ЮВИНИШМОҚ ювмоқ 1 фл. ўзл. н.** *Ваннада ювинмоқ. Душида ювинмоқ.* — *У ечилиб, энди ювинаётган эди, эшик тақиллади.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Ғуломжон буларнинг ҳаммасини кўтариб, ҳовлига ювингани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮВИНТИРМОҚ ювинмоқ фл. орт. н.** *Гўдакни ювинтирмоқ.* — *Қампир йўқ чоқларда Унсин болаларни ўз бағрига олиб ўтиради, уларни ювинтиради.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Равшанбекни ювинтириб, бахмалга ўрантирди.* «Гўр-ўғли».

**ЮВИШМОҚ ювмоқ 1, 3, 4 фл. бирг. н.** *Қундуз опа кир юваётган экан, ҳашара чақирди, чиқдим.* Қирини ювишимди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ЮВМОҚ 1** Сув (баъзан спирт, керосин ва ш. к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кетказмоқ; чаймоқ, чайқамоқ. *Бетни ювмоқ, Қўлни совун билан ювмоқ. Идишларни ювмоқ. Ярани спирт билан ювмоқ. Узумни ювиб емоқ.* — *Тўртинчи косани олиб кириб кетгандан сўнг, Ҳаёт қозонни ювдию, қопқоғини ёпиб, кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баҳор ариқ бўйига ўтириб помидор, бодринг ва пизз ювди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Отларни .. ювиб, тараб, эгарлаб, юганларди.* «Эрали ва Шерали». **Қир ювмоқ** қир бўлган кийим ҳамда дастурхон, сочиқ, чойшаб каби рўзғор буюмларини қир кетказувчи воситалар (совун, совун порошоғи ва ш. к.) билан сувда ишқаб тозалармоқ. [Ойимхон] оқдан ўлмаслик учун эртдан кечгача қир ювиб, ҳақиқа бир коса кепак олиб нон қилиб еган. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Оқизиб олиб кетмоқ, ўпириб ёки ўйиб кетмоқ. *Ёлғир девор сувоқларини ювиб кетди.* — *Сув нов остини ювиб кетяпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб.* Ғайратий.

3 қ. х. *Тупроқ шўрини кетказиш мақсадида далага сув қўймоқ; яхоб бермоқ.* Шўр ерларни қишида уч-тўрт марта ювдик. — *Бу ерни текислашга ҳам, шўрини ювишга ҳам, эҳтиёж йўқ.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 с. т. *Эришилган ғалаба, муваффақият ёки бирор яхши нарсанинг қўлга киритилишини зиёфат, қадах кўтариш йўли билан нишонлармоқ.* — *Оғайнилар, энди .. кечирасизлар,— деди Сангин плашининг чўнтагидан яримта ароқ чиқариб,— бу келганларинг ҳисоб эмас, квартирани алоҳида ювамиз.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бобо амаким ҳам олтимиш йиллик тўйларини қилиб беришлари керак.* Пенсияни ювмасалар бўл-

*майди.* И. Раҳим, Тақдир. *Ғалабани ювгани Ғанижоннинг уйига уч-тўртта ўртоқлари келишганди.* А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи билан.

♦ **Гуноҳини** (ёки айбини, доғини ва ш. к.) **ювмоқ** эзгу юш, яхшилик, ибратли хатти-ҳаракат ва ш. к. билан ўзини оқлармоқ. *Махдумнинг бу сўзи юқоридаги гуноҳини ювгандай бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Қир ювди қ. қир.** **Қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ** (ёки **тиқмоқ**) бирор кимса ёки нарсадан кўнгли совимоқ, хафсаласи пир бўлмоқ. *Офтоб ойим эридан ҳам қўлни ювиб қўлтиғига урган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮВОШ 1 сфт** Шўхлик қилмайдиган, тинч ёки жим юрадиган; беозор. *Ювош бола.* *Ювош от.* — *Мусулмонқул .. қўй каби ювош Тошкент ҳокими Салимсоқбекни ўлдирди, ўрнига Азизбекдек золимини белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дадам жуда ювош, ширин сўз чол эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Юрагингиз дарё-да, ойи! Еки синфга нуқул ювош, ақллиларини териб олганмисиз-а!* Х. Назир, Опахонимиз.

2 рви *Секин, оҳиста; майин, беозор.* *Зайнаб ювошига кулиб, қизариб чамадончасини кўча ўртасига қўйдди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қамчи жаҳлидан тушиб, Мавлон акага яхши шогирдлардек ювош боқди.* Х. Ғулом, Машъал. *Отлар билан бирга Шоқосини ҳам оҳиста айланиб, узун қамчисини отлар устида ювош силқиб қўяди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЮВОШЛАНМОҚ** Ювош бўлиб қолмоқ, аччиғидан тушмоқ. *Бу от анча ювошланиб қолди.* — *Чиқ, яқинроқ ўтир, гап кўп,— деди ювошланиб чол.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ЮВОШЛАШМОҚ айн. ювошланмоқ.** *От ювошлашди.*

**ЮВОШЛИК ювош с.** беги оти. *Озгин, лекин бақувват уста Замоннинг ювошлиги, .. меҳнатсеварлиги солдатларга ёқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг тўғрилиги, ювошлиги Норбувининг онасига ёқиб қолиб, ўз қизини «арзон-гаровга» тўй қилиб берди.* Х. Шамс, Душман.

**ЮВУНДИ** Қозон ва идиш-товоқлар ювганда ҳосил бўладиган овқат қолдиқлари аралаш ифлос сув. *Ювундини тўкмоқ.* || *Ювунди челақ.* — *Овқат жиҳати унча нолийдиган эмас, бойнинг ичкарисидан салқит, ювунди ва бошқалар чиқиб туради.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. | *Овқат қолдиғи; сарқит.* *Эшигида ювундисига зор бўлган полвоннинг давлатини бир кўрсин, куйиб ўлсин!* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. — *Бор, сенга ювунди бериб боқайтган хўжайинингга- айт.* *Таслим бўладиган номард йўқ,— деди Михайлов Хусанга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**ЮВУНДИХЎР** нафр. Бировнинг

хизматини қилиб кун кўрадиган киши; югурдак, малай. *Уртоқларинг сени, сен ювундихўрни, ҳамқишлоғимиз дегани ор қилинади!* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ЮВУҚЛИ** Ювилган, тозаланган, тоза. *Ювукли идишлар. Ювукли кир. Кослар ювуклими?*

**ЮВУҚСИЗ** 1 Ювилмаган, кир, ифлос. *Ювуқсиз идиш. Ювуқсиз сочиқ. Кўли ювуқсиз бола.* — У кишининг [Бобохоннинг] зарбидан қўрққан баъзи муллаваачалар .. бетлари ювуқсиз ҳолда дарсларини такрор қила бошлар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. *Ер ўчоқ олдиде даста-даста ювуқсиз лаганлар ётарди.* С. Аҳмад, Пойқадам. — [Ғулом ака] ғариб, ҳеч кими йўқ, сўққабош экан. *Кир-чири ювуқсиз қолмасин, вақти-бемаҳал иссиқ томоқсиз қийналмасин, деб раҳим келганидан теккандим бунга,— деди Сабохон.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *Кўча* Ҳаром-харини фарқ қилмайдиган; нопок. || *Мана шунақа ювуқсизларнинг гапига ишониб, йўқ нарса учун билмасдан хафа бўлиб юрадими!* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Ювуқсиз деб сизга ўхшаган ҳар ким эшигида исковичдай текин ош-нон ахтарганни айтадилар. Катта деган сари ҳадингиздан ошиб кетасиз-а!* Ҳ. Шамс, Душман.

**ЮВҒУЧИ** Мурдани ювиб кафанловчи киши, ғассол, мурдашу. *Наби ака Қодиржоннинг ягини мала бўз белбоғи билан боғлаб, ювғучи Салоҳиддинхўжа ва Мамажон ғўрқовнинг уйига қараб жўнади.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари. *Унинг [Порахўрнинг] ҳайратда ошиқ қолган оғиз ва кўзларини ювғучи тахтада юмди.* А. Қаххор, Пора. *У [Ҳиқичоқ хола] ҳам кинначи, ҳам доя, ҳам ювғучи.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ЮГАН** I От, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган, сувлиги ва тизгини бўлган, қайиш тасмалардан ясалган абзал. *Ойқиз бўлса .. бир кўли билан юганни ушлаб, отни бошқарарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Унинг [Тоштемирнинг] кўли юганда, кўзлари ерда, отага қараёлмас, мангалай тери чаккаларига силқир эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

**ЮГАН** II Гули сариқ, баланд бўйли кўп йиллик ўт.

**ЮГАНЛАМОҚ** I От, эшак каби уй ҳайвонларининг бошига юган солмоқ, юган урмоқ. *Тойни юганламоқ.* — [Эрали] отларни ювиб, тараб, эгарлаб, юганлади. «Эрали ва Шерали».

2 *Кўча* Ўз измига бўйсундирмоқ, бошқармоқ. *Асов дарёларни юганламоқ.* — *Яйдоқ бўз ҳам маданийдир, Биз уни юганладик.* Ғ. Ғулом.

**ЮГАНЛАНМОҚ** юганламоқ *фл. мажх. н.* Юганланган от.

**ЮГАНЛАТМОҚ** юганламоқ *фл. орт. н.* Отни юганлатиб жўнамоқ. *Той юганлатмади.*

**ЮГАНЛИ** Югани бор; юганланган.

*Юганли от.*

**ЮГАНЛЮҚЛИ** Юганланган, юган урилган, юганли. || *От юганлюқли.*

**ЮГАНСИЗ** Югани йўқ; юганланмаган. *Югансиз той.*

**ЮГУРГИЛАМОҚ** с. т. Тез-тез югурмоқ, чопқилламоқ. *Йигитлар югургилаган боланинг орқасидан кичкина кўчага қайрилишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёрмат билан Нормат югургилаб суюнчига чиқиб кетишди.* А. Мухтор, Чинор.

**ЮГУРГИЛАШМОҚ** югургиламоқ *фл. бирг. н.* Бировнинг олдига бирови чопиб ўтиб: «Гулнинг яхшисини мен оламан», деб югургилашиб, .. ўнча қиз Рашиданнинг устидан келиб қолди. «Равшан».

**ЮГУРДАК** I Бировга хизмат қилиб турадиган киши; хизматкор, малай. *У [Йўлчи] сўрамаса ҳам, чойхоначининг югурдаги чой қўйиб кетди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Демак, мен бу ерда ғиёҳбандларнинг чой ташувчиси, жилим солувчиси, Ҳожибобонинг югурдаги, фарроши бўлиб қолар эканман.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ибодилла бой боласи бўлгани билан, отасининг югурдаги, холос. Ҳ. Ғулом, Машғал.* | *Ёрдამчи, дастёр. Мана, ойим, сизга яна бир дастёр — югурдак топиб келдим.* Ойдин, Ҳазил эмиш. — *Ҳар ҳовлига битта югурдак керак, .. деди мўйсафид.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *эск.* Бирор идоранинг хат-хабарларини тегишли кишиларга ёки муассасаларга ташувчи ходими; хат ташувчи. *Мадраимни сельсоветнинг ўша вақтдаги раиси районга олиб бориб ишполком югурдаги қилиб қўйди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

3 *салб.* Бировнинг буйруғини ёки топшириғини хушомадгўйлик билан бажарувчи; лаганбардор, малай. *Ҳожи Муҳиддин Муҳаммад Ризо охун .. чет эл капиталининг югурдаги эди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Амалдорларнинг югурдаклари кўча-кўйларда одам ўлдиришга киришдилар.* Айний, Жаллодлар.

4 *айн.* **югурик** 2. *Югурдак оёққа кавуш топилар.* Мақол. — *Гулишан дегани шаккокроқ, тили югурдак, ўзи вийрак-туйғун .. эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

**ЮГУРДАКЛИК** югурдак с. белги оти. *Йўлдаги азоб-уқубат, дастёрлик, югурдаклидан тинкаси қуриган Дўс-мат ака Қоблага етганда қаттиқ касал бўлиб, тўсатдан вафот этди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Кўчада қолган, .. бировнинг хизматида югурдаклик қилувчи болалар озмунча эмасди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Болаликдаёқ Тарас етим қолади, ўзгалар молини боқади, боёнлар қўлида қулваччалик, югурдаклик қилади.* В. Зоҳидов, Улуғ кўбизчи.

**ЮГУРИК** I Тез югурадиган, чопадиган; чопқир, чопағон. *Кепак еган от югурик бўлмас.* Мақол. — *Чўлоқ*

*одам учун хизматкорлик қийин, боёқши Қамбар бу камчиликни билдирмаслик учун югура-югура югурик бўлиб қолган-да.* Ойбек, Кутлуғ қон. — *Ҳаёт мисли бир югурик дарё, оқади-кепадаи, суран кайфу сафонгиз қолади, — қув кўзларини сузиб, илжайди Эшонхон.* Ойбек, Улуғ йўл. *Икков миниб тулпор отти, Чопмоққа ҳаваси кетди, Кимнинг оти югурик,— деб.* «Эрали ва Шерали».

2 *Илдам, тез ҳаракат қиладиган; чаққон, тез (оёқ, қўл, тил ҳақида).* *Югурик бармоқлар.* *Югурик оёқ.* || *Кўла югуриги — ошга, тил югуриги — бошга.* Мақол. — *У [Абдушукур] болалик чоғида дадаси билан бирга янги шаҳарга резавор сотиб юргандаёқ, русчага тили югурик бўлиб қолган эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Ақли югурик** бирор масалани тез тушунадиган, тез ҳал қила оладиган; фаҳмли. — *Не-не ақли югурик донишлар жон бермаган бу йўлни солгунча ..— деди бува.* Й. Шамшаров, Кўрк мейморлари.

**ЮГУРИШ** 1 югурмоқ *фл. иш оти.* *Сиз лоп деса, ола қоп олиб югуриши ўрни, ана шунақа иғвоэорларни тутиб беришларингиз керак.* С. Аҳмад, Хукм.

2 *спорт.* Йирик ва илдам қадам билан олға томон тез ҳаракат қилиш; чопиш. *Қисқа масофага югуриш. Узоқ масофага югуриш. Югуриш мусобақаси.*

3 с. т. Бирор ишни амалга ошириш ёки рўёбга чиқариш учун уриниш, юғриб-елиш, ҳаракат қилиш. *Шунча югуришлар бекорга кетди. Унинг югуришларидан бирор натижа чиқмади.*

**ЮГУРИШМОҚ** югурмоқ 1, 2, 3 *фл. бирг. н.* Болалар чуғурлашиб кўчага югуришди. — *Олдинда Қамолдин, орқада муллаваачалар пешвоз югуришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қиём вақтида бир қанча болалар «тўй келди, тўй келди!» деб, баққириб-чаққириб югуришди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЮГУРМОҚ** I Ирғишлаб бирор йўналишда тез ҳаракат қилмоқ; чопмоқ. *Бор кучи билан югурмоқ. Бола юғриб тепаликка чиқди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача.* Мақол. — *Шу маҳал бир тўда бола чуғурлашиб, гузар томонга юғриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнор билан Унсин танчада ўтириб, бир-бирига меҳрибон эгачи-сингилдай сўзлашаркан, болалардан бири юғриб келди.* Ойбек, Кутлуғ қон. | *Шошилинч равишда бирор томонга юриб бормоқ, тезлик билан ҳаракат қилмоқ. Зиёдилла, унинг кетидан Ибодилла юғриб бориб, чога кўл узатдилар.* Ҳ. Ғулом, Машғал. — *Шошма, болам,— кампир тандир томонга юғурди ва хоркандозда исқирқ тутатиб келиб Норматнинг бошидан айлантирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *спорт.* Юғуриш билан шуғуланмоқ; юғуришда қатнашмоқ.

3 *кўча* Бирор иш ёки мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқ; уринмоқ. *Уқшининг кетидан югурмоқ.* *Юғурганники эмас, буюрганники.* Мақол. — *Раис Умурзоқ отага ўхшиди*

обрўи, тажрибакор пахтакорларни қўлга олиш ниятида озмунча югурмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Кўчма Пайдо бўлмоқ, намоён бўлмоқ, кўрнимоқ (бирор хусусият, белги, ҳолат ва ш. к. ҳақида). Унинг юзига қон югурди. — [Ибн Сино] назари сатрлар оралаб йўғаларкан, ер остидан хазина топган кишидек қўллари аста титрайди, юзига ғалати табассум югуради. М. Осим, Қитобга ихлос. *Малоҳат Қаримованинг юзларига қизил югурди, юзидаги кулдирғичлар ҳуснига ҳусн қўйди, кўзлари чарақлаб кетди.* Ойдин, Асл ёр. Энди ҳар икковининг ҳам юзига жиддият югурди. Ҳ. Шамс, Душман.

5 Кўчма Тезлик билан оқмоқ; қўйилмоқ. Қишлоқ ўртасидан ўтадиган икки сой тошлардан-тошларга урилиб, кўпириб, узоқ пахта далаларига қараб югуради. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. *Довул қоқиб ўтар уйғоқ тун, Тайёр бўлар тонда бош тўғон, Чексиз шодлик билан югурар Саҳроларнинг юзига қон.* Ҳ. Олимжон.

**ЮГУРТИЛМОҚ югуртмоқ** фл. мажх. н. Қуёшнинг олтин зарлари фазо бетини кўз тиндирувдай қилиб ювган; терак учларига гўё олтин суви югуртирилган; осмон марвариддан асалгандай тиниқ. Ҳ. Шамс, Душман.

**ЮГУРТИРИЛМОҚ югуртирмоқ** фл. мажх. н. Раисни қақриб келиш учун бола югуртирилди. — Баланд, сербевак шифтда олтин суви югуртирилган кучли занжирда каттакон қандил ҳисобсиз чиқорлари билан гавҳардай товланиб турар эди. М. Исмонлий, Бизнинг роман.

**ЮГУРТИРМОҚ 1 югурмоқ 1—4 фл. орт. н.** Отни роса югуртирдим. — Кимлар кетмон билан, кимлар чўкич ва ё замил билан ишлар эди. Уларни ҳеч ким шошилтирмас, ҳеч ким югуртирмас эди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

2 Бирор мақсадга эришиш учун бошқаларни роса ишлатмоқ, овора қилмоқ, ташвишга солмоқ, уринтирмоқ. *Хўш, ҳали бошқармадагиларни югуртираман, деб керилиб кетган эди, сўзининг устидан чиқяптими?* Ш. Ғуломов, Азим дарёман дебон. *Қодир товуш берган эди, қоровул: «Бемаҳалда ҳаммани югуртириб, қаёқда қолдингиз?» — деб койиди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз чяттак.

3 мажх. Металл сиртини химиявий ёки электролиз усулида бошқа металл билан қопламоқ. *Узукка олтин суви югуртирмоқ.*

♦ **Ақл югуртирмоқ** пухта ўйлаб кўрмоқ, яхшилаб фикр юргизмоқ. *Нурматжон аввал «мендан бесўроқ кампир бунга нечук рози бўлди экан», деб пича оғринди, кейин ақл югуртириб қараса, кампир жуда тадбирли иш қилибди.* А. Қаҳҳор, Қизлар. **Кўз югуртирмоқ** қ. кўз 2. **Тирноққа ғаров югуртирмоқ** қ. ғаров.

**ЮГУРТМОҚ югурмоқ 1 фл. орт. н.** Қози домла қўллари ювиб туриб,

*дастурхонга кўз югуртди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. *Сартарош .. секин «бисмилло!» деганича, устарани Миркаримнинг бошидан чаққон югурта кетди.* Ойбек, Болалик.

**ЮГУРУВЧИ 1 югурмоқ фл. ш. оти.** Хуллас, дунёнинг турли бурчагида, турли иқлимда яшайдиган сўтэмизувчи, .. югурувчи, учувчи парранда ва ҳайвонлар шу ерга тўпланган. «Муштум», 1959, № 14.

2 спорт. Югуришга, чопишга моҳир спортчи; чопувчи.

**ЮГУРУК** айн. **югурик.** «Чорак соатда Навоийнинг чорбоғларига борурман, югурук тўйиқоч бўлса», — деб ўйлади у. М. Осим, Сеҳрли сўз.

**ЮГУР-ЮГУР** Бирор оғир ва шошилинч ишни амалга ошириш вақтида юз берадиган оворагарчилик, ҳовлиқиб у ёқдан-бу ёққа чопиш. *Шунча югур-югурдан ҳечқандай натижа чиқмади.*

— *Қўчада югур-югур, шовқин, итлар ванеиллаган, товуқлар қийқиллаб қочган.* А. Қаҳҳор, Башорат.

**ЮЗ 1** Одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши; чеҳра, бет, афт. *Чўзиқ юз. Қизил юз. Қулча юз.* — *Бошқалар бўлса Ниёз қушбеенинг сўзидан кейин .. ҳожининг юзига тикилган эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Қизгин бўғувчи ҳаво юзга уради.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қанизак .. дуррасининг учи билан юзини бекитиб, тескари ўғирилди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Инсон бетининг у ёки бу томони; ёноқ. *Раёно супага оёқ солиштириб ўтириб олди. Кампир уни кўриб аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юзидан-бу юзидан ўтди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт. Унинг юзларида, дудоқларида йигитнинг юзигини эритувчи бир таббасум ёнади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор нарсанинг устки томони, юзаси; сирт, сатх. *Қир юзини лолалар қоплаган. Қўк юзини булут босди.* Ойнинг юзида ҳам доғ бор. Мақол. **Қатикнинг юзи** қатикнинг устки қаймоқ бойлаган қисми. — *Қушлар ичида яхши кўрадиган биттаси бор эди, унга бошқалардан яшириб, қатикнинг юзини берар эдим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. 1 Саҳн; майдон. *Ҳовли юзи.* — *Кўк юзида сўнмоқда юлдуз, .. Нечун бедор қозилари кундуз.* Ё. Мирза. **Ер юзи 1)** ер усти, юзаси. [Қушлар] ер юзини тутган чечак гилалар устини ўтиб ялайдилар, ётиб чўқийдилар, сапчиб учадилар. А. Қодирий, Утган кунлар; 2) дунё, олам.

4 Айрим нарсаларнинг у ёки бу томони, тарафи, қирғоғи. *Кўчанинг икки юзида қатор уйлар.* — *Дарёнинг бул юзида қолиб, ул юзидаги ёрига етолмай қақшаган бадбахт ошиқ шўри бошимда, — деди Ғуломжон.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. *Мусулмонқул Чирчиқ бўйига келиб етганда, қушбеги бошиқ Тошкент йиғитлари ҳам сувининг бериги юзида қутиб турган эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Обрў, эътибор; юз-хотир. *Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар.* Мақол. — *Ҳар ҳолда ҳурматларини бажо қелтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзининг деб келадилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

6 Кесиш ёки чопиш асбобларнинг тиги. *Пичоқнинг юзи. Болтанинг юзи.* — *Гўрков кетмон урса, ер нақ тошдай, кетмон юзини қайирибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

7 мат. Текислик ёки сиртнинг чизиқлар билан ўралган қисми; сатх. *Доиранинг юзи. Учбурчак юзи.*

♦ **Юзи ёруғ** ўзини оқлаган; айби, гуноҳи йўқ; нихолатдан қутулган. *Юзи ёруғ одам.* **Юзи иссиқ айн.** *истараси иссиқ қ. истара.* **Юзи йўқ** ор-номуссиз, уятсиз, бетсиз. [Болта:] *Шу тобда Мирбадал кўзимга кўринарми-ди-я?* [Баҳри:] *Юзи йўқ экан?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Юзи шувут қ. шувут.** **Юзи қора ёмон,** уятли иш қилиб ўз обрўсини кетказган, обрўсизланган; гуноҳкор, шарманда. *Шунақа, холанг ўргилсин, юзи қора бойларнинг жадига бош болам шўрлик шундай кўмилди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. || **Гуноҳим .. бойлар — юзи қораларга қарши курашда иштирок қилганимми?** Ҳ. Шамс, Оқ падар. **Юз бермоқ** содир бўлмоқ, воқе бўлмоқ. *Бу учрашув улур совет халқи немис-фашист босқинчиларига қарши шиддатли жаналар қилиб турган шароитда — фронтда юз берди.* Н. Сафаров, Водиллик қахрамон. **Юз кўрар этн.** *ниҳоннинг эртаси хуни кўрмани билан келин кўриш маросими.* **Юз кўрмас бўлиб кетмоқ** биров билан алоқа қилмай қўймоқ, муносабатни бутунлай узмоқ. *Мен у билан юз кўрмас бўлиб кетдим.* **Юз(ини) кўрмоқ** (фақат бўлишсиз ф-да) бирор кимса ёки нарса билан ҳеч муносабатда бўлмалик. *Бир ҳафтадан бери китоб юзини кўрмаган.* **Юз тутмоқ** бирор томонга қараб йўл олмоқ; кетмоқ. *У Қўқонга томон юз тутди.* — *Лекин дунёда туганмас, ўзгармас нарса йўқ, шунинг учун Ҳожининг фасли баҳори ҳам, ҳусни малозати ҳам, кучу қуввати ҳам тугалишга қараб юз тутди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. **Инқирозга юз тутмоқ қ. инқироз 2.** **Юзи чидамади (ёки бўлмади)** ор-номус қилди, уялди. *Ғийбатчининг бурди бўлмас, туҳматчининг юзи бўлмас.* Мақол. — *Бир сафар, катта одамнинг гапини ҳа деб қайтавершига юзи чидамай, жума кун келишга ваъда берди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Юз ўғирмоқ** (ч. к. билан) бирор кимса ёки нарсадан воз кечмоқ. *Дўстидан юз ўғирмоқ.* — *Тошкент Ҳўқанд ҳукуматидин юз ўғирган бўлиб, худнафисга мустақиллик эълон қилсин.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Юз(и)га айтмоқ** бирор кимсанинг шаҳсан ўзига рўй-рост гапирмоқ. **Юзга айтганинг заҳри йўқ.** **Юзига бормоқ (ёки қарамоқ)** бирор нарсани бермасликка тиришмоқ, қизганмоқ. *У унча-мунчанинг юзига бор-*

майди. — Булар [косибаччалар] бир тийин, икки тийин, беш тийиннинг юзига қарамай, чойга, нонга, ўтинга, туз-қалампирга ортиқча пул тўлаб кетар эдилар, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. **Юзага оёқ кўймоқ** (ёки тирамоқ) қ. оёқ. **Юза(и)га солмоқ** тик башарасига айтмоқ, миннат қилмоқ, таъна қилмоқ. **Номарддан ёрдам сўрама, юзинга солади.** Мақол. — Бу одобсизлигини боргандан сўнг, албатта, юзига солмаслар, деб ишонамиз дейдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юзингда кўзинг борми демая;** ... с. т. бирор шахсга нисбатан тап тортмай, юз-хотир қилмай, уялмай. У юзингда кўзинг борми демая, ҳақорат қила бошлади. **Юзидан ўтолмаслик** «йўқ» дейишга, эътироз билдиришга истиҳола қилмоқ; уялмоқ. **Туппа-тузук обрўйи бир одам райсоветнинг раисига ваъда қилган экан.** Менинг юзимдан ўтолмай ноилож берди-ю! А. Қахҳор, Қанотсиз читтак. **Қайси юз билан ... уялмай-нетмай,** ... қандай қилиб. [Кампир:] **Ахир, айб бўлади болам!** Иккови қайси юзи билан бу ерга чиқиб ўтиради. А. Қахҳор, Тўй.

**ЮЗ II снқ сон 1** 100 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. **Юз қадам.** Юз сўм. **Юз дона қалам.** Бундан юз йил илгари. **Юз даражамли термометр.** Юздан бир қисм. **Юзгача санамоқ.** Мингени юзага бўлмоқ. — **Жиян, ақлинг бўлса,** кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз .. сўм ҳам пул. Ойбек, Қутлуг қон.

**2 с. т. Кўп, кўп марта.** **Мард бир ўйлар, номард юз ўйлар.** Мақол. — **Адолат юз изтиробда тўлганган қалбини енгди-ю,** бошини кўтарди. С. Зуннунова, Гулхан. **Йўлчи ўз онасидан юз марта лаб эшитган гапларни** Мирзакаримбой ҳикоя қила бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЮЗА I** Бирор нарсанинг усти, устки қисми, юзи, бети; сирт, сатх. **Силлиқ юза.** **Сув юзаси.** || **Юза жой.** — **Юзадан ярим метрчага нам тўпроқ,** ярим метрдан кейин ботқоқ кўчади. А. Қодирий, Обид кетмон. **Икки қуда ҳовли юзасига тушганда,** Қумуш саҳн бўйлаб юриб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Атрофи очиқ, яланг; баҳаво. **Ҳожи уларнинг олдига — юзага чиққач,** **Офтоб ойм салом бериб,** рўмоли билан томоқ остларини ўраб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — **Мана шу ёқ бир оз юзага ўхшайди,** — деб аравакаш от бошини кўнанинг ўнг тарафига бурди. Ойдин, Фонарь тағид.

**3** рвш Чуқур эмас, саёз. **Қизилқумнинг айрим ерларида тўпроқ жуда юза кавланар,** кўпинча агрегатлар харсане тошларга дуч келиб, таққа тўхтаб қоларди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

◆ **Юзага келмоқ** 1) келиб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ. **Қалиши-капада деворлари ганч сувоқ қилиб оқ-**

ланган, қизил тунука томли бир бино юзага келди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) содир бўлмоқ, рўй бермоқ. **Колхоздан қиқши тўғрисида ариза берганларнинг хархашаси натижасида юзага келган аҳвол колхозчилардан кўпига таъсир қилмай қолмади.** А. Қахҳор, Кўшчинор. **Юзага чиқмоқ** 1) пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ; маълум бўлмоқ. **Атом энергияси ядро ичида яшириниб етади ва фақат ўша ядро ёрилагандагина юзага чиқади.** «Фан ва турмуш», 1959, № 10; 2) рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ. **Ҳа-да,** колхоз тузилишига партиямиз бош бўлди-ю, бу иш юзага чиқди. Ойдин, Фарходлар; 3) халқ, жамоат орасида ўзига ҳос мавқени эгалламоқ, эътибор қозонмоқ, кўринмоқ. **Нима қиласиз юзага чиққани интилиб,** юзада пишириб кўйиптимиз? А. Қахҳор, Кўшчинор. **Юзага чиқармоқ** амалга оширмоқ, рўёбга чиқармоқ, бўлдирмақ, вужудга келтирмақ. У [Нури] ўз режасини юзага чиқаролмагани учун дам газабланар, дам яна ҳийлалар тўқшишга уринар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЮЗАКИ I** рвш Наридан-бери, енгил-елпи. **Ишга юзаки қарамоқ.** Иш билан юзаки танишиб чиқмоқ.

**2 сфт** Чуқур ўрганилмаган; хом. **Юзаки маълумот.** Юзаки хулосалар.

**ЮЗАКИЧИЛИК** Масалага енгил-елпи қараш, жиддий эътибор бермаслик. **Билимнинг юзакичилиги.**

**ЮЗАЛАБ** рвш Юзидан, устидан олиб, юза қилиб, юзи бўйлаб. **Паловни юзалаб омақ.** **Ерни юзалаб саёз ҳайдамоқ.**

— **Оқчорлоқ галларни сув юзалаб безовта қийқариб учушиди.** А. Мухтор, Чинор.

**ЮЗАСИДАН** кўм. (б. к. билан) 1 Иш-ҳаракатнинг нимага доирлигини билдириб, «учун», «ҳақида», «бўйича» маъноларида келади. **Давлатга жун сотиш юзасидан олинган мажбурият бажарилди.** **Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.** — **Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди.** А. Қахҳор, Кўшчинор. **Сержант Лобов отделениесини бошлаб бориб,** жангчиларнинг мазкур машқ юзасидан отишга тайёр эканини доклад қилди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** «Бирор нарсадан кўзда тутиб, бирор нарсага қараб ёки амал қилиб» каби маъноларда келади. **Адолат юзасидан гапирмоқ.** **Инсоф юзасидан иш тутмоқ.** — [Нури] қувончи кўксига сигмаса-да, назокат ва одоб юзасидан ўзини хомуш, ҳазин тутишга тиришар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЮЗБОШИ тар. 1** Ўрта Осиё хонлиқларида (18—19 асрларда): юзта отлиқ аскарга қўмондонлик қилувчи харбий бошлиқ. **Сарбозларнинг юзбошилари катта ойлик олардилар.** Айний, Эсдаликлар.

**2** Қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. **Мириш ва юзбошилар фуқарога юқоридан қараб,** дағал муомала қилар ва ўшқариб гапирардилар. М. Муҳам-

маджонов, Турмуш уринишлари. [Ўғриллар] юзбошини ғалати қилишипти: бир сандиқ тўлласи бор экан, олиб чиқиб олдига қўйишипти, «еганинғачи егин, қолганини олиб кетамиз», — дейишипти. А. Қахҳор, Кўшчинор.

**ЮЗИНЧИ** тарб сон Тартиб ўрни 100 рақами билан белгиланган, 100 рақамли. **Юзинчи номерли.** **Юзинчи уй.** **Юзинчи йиғилиш.**

**ЮЗИШМОҚ** юзмоқ фл. бирг. н. Болалар ким ўзарга юзишди.

**ЮЗЛАБ** чама сон Юзга яқин, юзларча. **Полк мудоффа қилиб ётган район устида душманнинг неча юзлаб самолётлари қайта-қайта пайдо бўлиб,** беҳисоб бомба ёғдириди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. **Агар бундай кишилар илгари бармоқ билан санарлик бўлган бўлса,** бундан кейин юзлаб, минглаб чиқади. П. Турсун, Ўқитувчи. I **Кўп,** жуда кўп. **Тўйга юзлаб меҳмонлар келишди.** — **Энди эса,** у [Адолат] елғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ЮЗЛАНМОҚ I** Бирор кимса ёки нарсага юзини қаратмоқ, унга томон ўғирилмоқ, қарамоқ. **Аммо унга юзланиб эмас,** гўзалар ичига яшириниб, ерага қараб туриб сўради. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Майна наанни ёнига суқди ва Нарзи тогага юзланди.** Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**2** Бирор томонга қараб юрмоқ, йўл олмоқ. **Азизбек сипоҳлари ила жарга тушиди ва сув кечиб ҳалиги тенага юзланди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮЗЛАРЧА** Юз атрофида, юзга яқин, юзлаб; кўп. **Юзларча одам.** **Юзларча китоб сочилиб ётипти.** — [Йўлчи] бойнинг дўкони олдига ўнларча, юзларча той газламани тушириб, уни егар, ердан шипга қадар тахлар, яна аравани миниб жўнар эди. Ойбек, Қутлуг қон. **Совет ҳукумати улуг бир давлат. Дўст бўлиб яшайди юзларча миллат.** Фозил шоир.

**ЮЗЛАШМОҚ** Бир-бирига рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ, учрашмоқ. **Ҳомид узоқ ўйлаб турмади,** юзидаги совуқ бир ўзарини ичида: — **Майли,** башарти юзлашмоққа тўғри келганда ҳам, мен ҳозир, — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮЗЛАШТИРИЛМОҚ** юзлаштирмоқ фл. мажж. н. **Гувоҳлар юзлаштирилди.**

**ЮЗЛАШТИРМОҚ** юзлашмоқ фл. орт. н. **Айбдорни гувоҳлар билан юзлаштирмоқ.** — [Турдиали:] «Елғон айтмаган бўлса юзлаштир, бўйнимга қўйиб берсин!» А. Қахҳор, Қабрдан товуш. **Тўполон билан Зайниддинни амир аркига олиб келишган эди.** Уни вазири аъзамга юзлаштирдилар. У Зайниддинни зиндонга бурди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ЮЗЛИ** Аниқловчи орқали ифодаланган белгили (тахлит, тусдаги) юзга эга. **Лўппи юзли.** **Қизил юзли.** — **Бу икки кишининг иккинчиси узун бўйли,** қора чўтир юзли, чағир кўзли, .. ўттиз беш

ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Паришон бир ҳолда ўрнидан турган Элмурод чироқ ёруғида бу чўзинчоқ юзли одамнинг худди ўша, Убайдуллаҳўжа эшон эканига кўнелида ҳеч шубҳа қолмади. П. Турсун, Уқитувчи. Бу пайт қулча юзли, оппоққина бир қизча секин келиб болаларнинг ёнига ўтиб олди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЮЗЛИК** кам қўлл. Юзга тутилдиган нарса (рўмол, тўр ва ш. к.). Келиннинг юзлиги. Юзлик тутган аёл. || Келиннинг юзлик рўмоллари хотинлар ўртасида талаш бўлди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЮЗМА-ЮЗ** рвш Қарама-қарши, рўбарў, бетма-бет; тўқнаш. Юзма-юз ўтирмоқ. Юзма-юз келмоқ. Юзма-юз қилмоқ. — Унга юзма-юз келиб бундай қўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ренат уни [тарвузни] озод кўтарди-да, дўкон орқасига ўтмоқчи бўлганида Мехринисага юзма-юз тўқнаш келди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЮЗМОҚ** диал. Сузмоқ.

**ЮЗПАНА:** юзпана қилмоқ бирор нарса билан юзини беркитмоқ, пана қилмоқ. Рўмоли билан юзпана қилиб Гулнора келади. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ЮЗСИЗ** Раъй-андишани билмайдиган, ор-номуссиз, уятсиз. Юзсиз одам. Ўзи юзсиз — сўзи тузсиз. Мақол. — Эрим, деб тўққан онангдан кечасанми, юзсиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Юзсиз калиш** одатда этик ёки ботинка билан кийилдиган юзи қисқа калиш.

**ЮЗСИЗЛАРЧА** рвш Раъй-андишани, ор-номусни билмайдиган кишиларга ўхшаб; уятсизларча. Юзсизларча даъво (туҳмат) қилмоқ. Юзсизларча қилиқ қилмоқ. — Лекин яна бир гуруҳ шундай ёш «санъаткорлар» ҳам борки, улар тўйларда, жамоатчилик йиғилдиган жойларда ўртага чиқиб оlib, юзсизларча хатти-ҳаракат қилишади. Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

**ЮЗСИЗЛИК** юзсиз с. бели оти. Юзсизлик қилмоқ. — Шербек йигитнинг юзсизлигидан нафратланди. С. Анорбоев, Оксой. Моҳира ойм бу юзсизликдан ер ёрилса ерга кирундек бўладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮЗТА** донга сон Юз донга, юз нафар. Юзта дафтар. Юзта одам. — Агар муҳаббат шундай кезларда тўқилдиган кўз ёши билан ўлчанса, юзта Ширини, юзта Лайлининг муҳаббати буниқига урпоқ ҳам бўлмас эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**ЮЗТАЛИК** 1 Юз донадан иборат. Юзталлик папирус.

2 Қиймати юз сўмга тенг, юз сўмлик (пул, облигация ҳақида). Тўртта юзталлик.

**ЮЗТАЧА** чамга сон Тахминан юзта, юз атрофда, юзга яқин. Юзтача китоб. Мажлиса юзтача киши қатнашди.

**ЮЗУК** диал. Узук.

**ЮЗ-ХОТИР** Андиша, рюя.— Сўзга чиққандан кейин ҳеч кимни юз-хотир қилмай, дедил танқид қилавериши, камчиликларни очиб ташлаш керак,— деди Хўжаев. А. Муҳиддин, Юзга айтганининг захри йўқ. Эрининг юз-хотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Маҳалланинг катталари ҳам бойнинг юз-хотирини айтадилар. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

**ЮЗ-ХОТИРЧИЛИК** Хурмат юзасдан бировга қаттиқ гапиролмаслик, бировнинг юзидан ўта олмаслик; андиша. Юз-хотирчилик, келишувчиликни безакдан ҳам ёмон кўраман. «Муштум», 1959, № 10.

**ЮК** 1 Бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик. Оғир юк. Қўл юки. Юк ортмоқ. Юкни туширмоқ. Юки оғир эшак илдам юради. Мақол. — Тешабой араваларга юк ортаётган кароларга мэхмонхона айвонидан қараб турган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бой шаҳарга бир оз юк туширган эди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Кишини уринтириб қўядиган, ташвишга соладиган ортиқча нарса; ташвиш, даҳмаза.— Бахтим қурсин — узоққа чўзилмади, қайтага укам-сингилм менга юк бўлиб тушди: ҳар иккаласини боқшим керак,— деди Гулсара. М. Жўра, Изтироб. Моҳидилнинг .. бошида ғалати йўлар, фикрлар тўлқин ура бошлади .. Борди-ю, тузалмасачи? Бу ердагиларга оғир юк бўлиб қолмасмикан тагин? Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 Қориндаги бола, ҳомила. Эрталаб доду фарёд билан юкимдан бўшадим [деди Ҳожиги хола]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳиқичоқ хола алланима бало қилиб болани туширди-ю, онанинг бошига етди. Маъсума юкидан озод бўлган, оғини судраб аранг уйига етиб келди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

4 Диний эътиқодга кўра азиз-авлиларни ранжитиш туфайли юз берадиган касаллик.— Агарда! — деди кўз ёши қилиб Холжон хола,— азизлар юки босса ё ажиналар чалиб кетса, гуноҳим сизнинг бўйингизда. Ғайратий, Довдираш. Нимжон бўлиб қолган бола қаттиқ иситмалаб, ёмон аҳволга тушган, бола шайтонлабди, унга юк тушибди, домлага ўқит, деб қўйишмайди дин пешволари. С. Мусаев, Зарарли урф-одатлар.

◆ **Юки ерда қолмайди** қийналмайди, ташвиш тортмайди. Сизнинг қанотингиз остида бўлсам юким ерда қолмайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЮККАШ** 1 Юк ташувчи; ҳаммол. Юккаш бўлиб ишламоқ.

2 Юк ташини мўлжалланган ёки мосланган. Юккаш автомобиль. Юккаш кема.

**ЮКЛАМА** грам. Мустақил сўз ёки гапга турли қўшимча маъно бериш ёки турли грамматик муносабатларни ифо-

далаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимча, мас. *наҳотки, ҳоло, -чи, -ми*.

**ЮКЛАМОҚ** 1 Транспорт воситаси ёки иш ҳайвони устига юк ортмоқ. Машинага ғишт юклагоқ. Эшакка ўтин юклагоқ. — Шу ерда аравага шох юклаётган Абдусамад қори барров йўрғалаб чиқиб жувонни гапга солди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўчма Қимсага бирор вазифа ёки иш топширмоқ, ортмоқ. Ўз ишини бировга юклаб қўйди. — [Отинойи] .. ошхонада ғишт қовураётганидан бориб текширишга фурсат топмай, бу вазифани ўғли Сайфуллага юклади. П. Турсун, Уқитувчи. Нина Александровна Ойнисага янги цех мудирлигини юклаб тўғри қилганига қаноат ҳосил қилди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ЮКЛАНМОҚ** юклагоқ фл. мажҳ. н. Бу уй .., кўчиси керак бўлиб қолса, бирпасда туяга юкланарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Гоҳида катта аравага зўрға сиғадиган бир талай пичан ё похол юкланган эшаклар устаридаги юклар-орасида кўринмай ўтиб қолади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮКЛАТИЛМОҚ** юклатмоқ фл. мажҳ. н. Уғитлар машиналарга юклатилди. — Бошлиқнинг вазифаси ҳозирча участка инженери Қозимовга юклатилган. А. Мухтор, Тўғилиш.

**ЮКЛАТМОҚ** юклагоқ фл. орт. н. Ўтин юклатмоқ. Бировга қўшимча вазифа юклатмоқ.

**ЮКЛИ** 1 Юк ортилган, юки бор. Юкли машина. — Ун икки қопқадан ўн икки йўлга Жўнаб кетар экан юкли карвонлар. Шайхзода.

2 с. т. Ҳомиладор, ҳомиласи бор. Юкли хотин. — Пулимиз йўқлиги етмай, саргардон сарғайганимиз етмай, бунинг устига юкли бўлиб қолганим иккимизни қайғудан қайғуга отарди,— деди Ҳожиги хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮКСАК** кт. 1 Баланд, юқори. Юксак бино. — Сенинг режанг билан юксак тоғларнинг Ушатдик, қўзгатдик зўр бардошини. Ғайратий. Фақат юқори синф шоирларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималар тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар. Ойбек, Нур қидириб. | Жуда юқорига ўрнашган, баланддаги. Юксак булутлар. Юксак юлдузлар.

2 кўчма Юқори даражадаги, олий. Юксак унвон. Юксак мартаба. Юксак малакаи мутахассислар. Юксак хурмат. — [Ғофир:] Ёлғиз гавҳардан тиниқ, қуёйдан ҳам юксак муҳаббатим бор, холос! Ҳамза, Бой ила хизматчи. || Ер эгаллашиб чорикор, батрак, Рухлари юксак, ўзлари қувноқ. Ғайратий.

**ЮКСАКЛИК** 1 юксак с. бели оти. Уйнинг юксаклиги. — Бурчақда ердан икки ярим газлар юксакликда кун ботишига қаратиб қурилган иккита кўримсиз бир бетлик эшиклар юзларига



ёпиқ ҳолда эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Ер сатҳидан жуда юқоридаги бўшлиқ, баландлик; осмон. Ой юксакликка кўтарилган, бепеён пахтазор кумуш нур ичида чайқалади. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**ЮКСАЛМОҚ** 1 Баланд кўтарила бормоқ, осмонга ўрламоқ. Ҳаммининг кўзи узоқдаги осмонни ютмоқчидек қутириб юксалган даҳшатли ёнғинда эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Кўчма Ёсмоқ, ривожланмоқ; камолотга эришмоқ. Маданиятимиз тобора юксалмоқда. — Оқ йўл тила номидан, Қутлуғ бўлсин сафари. Меникидан ҳам ошсин Ва юксалсин зафари. Т. Тўла.

**ЮКСАЛТИРМОҚ** юксалмоқ фл. орт. н. Қишлоқ хўжалигини юксалтирмоқ. — Сен яратдинг бизлар учун чин овоз ҳаёт, Сен йўқитдинг, бердинг бизга фазлу камолот; Кўкка қадар юксалтирдинг бериб зўр қанот. Ғайратий.

**ЮКЎНМОҚ** кам қўл. 1 Ўтиниб мурожаат қилмоқ, илтижо қилмоқ, ёлвормоқ. Ўртада она тўғиди. Кўзларидан ёшларини қуйиб юқуниб эрга ялнар, фақат инсоф, адолат тилар эди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Таъзим қилмоқ. Шайхулислом юқуниб қоғозни хон қўлидан олиб, унга кўз югуртирар экан, қолганлар ташвиша тўғидилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Шаҳзодалар бориб, юқуниб, айри-айри кўришдилар ва подшоҳнинг узатилган қўлини камол эҳтиром билан ўғидилар. Ойбек, Навоий.

**ЮКЧИ** 1 Юк ташиш, ортиш, тушириш билан шуғулланувчи ишчи. Степан душман қўлига ўтиб кетган кичик бир пароходага юкчи бўлиб кирди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Хўжабеков куни билан елкасидан беш пудлик қоп тушмаган юкчидан, эшикнинг кесакисига суянди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юк ташишга мўлжалланган, юк ташийдиган; юкшас. Юкчи самолёт. Юкчи такси. — Йўқ, бу эмас, — деб қўйди. Акбар ака узоқлашаётган кумуш рангли самолётни кузатар экан, Халилжонники юкчи. С. Акбаров, Отанинг хаёллари.

**ЮЛДИРМОҚ** юлмоқ фл. орт. н. Болаларга ўт юлдирмоқ.

**ЮЛДУЗ** 1 Ўз табнатиға кўра қуёшга ўхшаш бўлиб, инсон кўзига кечаси осмонда нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган осмон жисми. Еруғ юлдуз. Хира юлдуз. Кутб юлдузи. Юлдузлар туркуми. — Оқшом чўкди Тошкент қўйнига, Милтиллашиб кўкларда юлдуз. Ҳ. Салоҳ. Бу ерга қуёш оғди — салқун тушади, кечалари, тепамизда юлдуз тўла осмон. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 Бир неча ўткир учли геометрик фигура ҳамда шундай шаклга эга бўлган нарса. Беш учли юлдуз. Юлдузнинг шаклини чизмоқ. Арчанинг тепасига юлдуз ўрнатмоқ. Шундай шаклдаги

ҳарбий значок (одатда фуражка, шапка, телпак ва ш. к.га тақилади). [Элмурод] .. шинелини тиззасига қўйиб, тугмаларини тиш порошогги билан йилтилатди, фуражкасидаги иккита кичик мис тугмача ва юлдузни ҳам унутмади. Шухрат, Шинелли йиллар. «Кизил Юлдуз» ордени ўрта даражадаги ҳарбий орден. «Олтин Юлдуз» (медали) Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони учун бериладиган олий даражадаги медаль. — Хўш, сержант, — деди полковник, — энди жавоб бериш сизнинг наватингиз. «Олтин юлдуз»ни сиз қандай қилиб олдингиз? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. 3 Кўчма Машҳур бўлиб танилган, шухрат қозонган киши ҳақида. Донғи кетган теримчи ва шухрат юлдузиман, Лафзи ҳалола, юзи оқ Фарғонанинг қизиман. Уйғун.

4 Юлдуз (хотин-қизлар исми).

◆ Юлдузи иссиқ айн. истараси иссиқ қ. истара. У [Умид] .. рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди. Мирмуҳсин, Умид. Юлдуз кўрмай жон берди узоқ турмади, барҳам толди, йўқ бўлиб кетди, гоёиб бўлди. Юлдуз санаб ётмоқ айн. тоқи санаб ётмоқ қ. тоқи. Юлдузи (юлдузига) тўғри келди характери, феъл-атвори бир-бирига мос тушди; севишди. — Мен жиддий сўраяман, нега Исомиддинов билан юлдузларинг тўғри келмаяпти? Бирор сир борми? — деди Норбуви Қаримовга. Ҳ. Шамс, Душман. Аброр билан Чинчиноннинг юлдузлари юлдузига тўғри келиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. Юлдузни бенарвон урадиган одам қ. бенарвон.

**ЮЛДУЗЛИ** 1 Юлдузлар кўриниб турган. Юлдузли кеча. Юлдузли осмон. — Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Юлдуз сурати солинган, юлдуз тамғали. Беш юлдузли коньяк. Юлдузи бор, юлдуз қадалган. Юлдузли қалпоқ.

**ЮЛДУЗСИМОН** Юлдуз шаклли, юлдузга ўхшаган, юлдузнамо. Юлдузсимон шакл.

**ЮЛДУЗЧА** 1 юлдуз 1—3 с. кичр. Қизил юлдузча. — Яланғоч дарахтлар майда юлдузчалар билан ёнган қора, ажиб, чиройли кўлкалар ташлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Полигр. Юлдузнамо босмаҳона белгиси. Китобдаги изоҳлар юлдузчалар билан кўрсатилган.

**ЮЛДУЗШУНОС** Юлдузлар ҳаракати ва уларнинг хусусиятларини текширувчи олим; мунажжим. Бу фожиадан [Улғубек ўлимидан] .. Улғубекнинг энг яқин ишориди юлдузшунос Али Қушчи ҳам кечқурун .. оғоҳ бўлди. С. Нуров, Туман тарқалди.

**ЮЛИНМОҚ** юлмоқ 1, 2 фл. мажҳ. н. Юлинган ўт. Юлинган соч. — Оёғидаги ботинкаси йиртиқ, обмоткаси юлиниб кетган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Алоиддин бу сўзларга эътибор қилмагандай кўринишга тиришса ҳам, ичи юлинди. Ойбек, Навоий. Область қишлоқ хўжалиги бошқармасидек улкан даргоҳдан юлиниб кетмай, — деб хат эди Орипов хотинига. А. Муқимов, Тарк этма назокатни.

**ЮЛИШМОҚ** 1 юлмоқ фл. бирг. н. Болалар ёввойи ўтларни юлиди.

2 Бир-бири билан уришмоқ, уришиб бир-бирини тиндаламоқ (аёллар ҳақида). Икки кундош уйни холи топиб тагин юлишманлар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Зулфия Латофатхонга:] Сиз билан соч юлишмоқчи бўлиб кирганим йўқ. С. Кароматов, Ҳижрон.

**ЮЛМОҚ** 1 Силтов билан тортиб узиб ёки суғуриб олмоқ. Сочини юлмоқ. Тўвақ патларини юлмоқ. Ортиқча ғўзаларни юлиб ташламоқ. — Ота .. семиз, бўяб қўйгандай қизил ўтқи юлиб олди. С. Анорбоев, Оқсой. Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонганини кўрган Бегимхон хаҳолаб кулиб юборди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан! Ука — жисар, тош отай деса, жиғарчилик, отмай деса хон турипти; ниҳоят, тўғидан увада юлиб отипти. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

2 Тирнаб жароҳатламоқ, тиндаламоқ. Бировнинг бетини юлмоқ. — У-у ҳаракат қилдим, тендим, урдим, юлдим, тирнадим бўлмади, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Азимжоннинг кўкрагини мина парчаси юлиб кетганди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Кўчма Бирор шахс ёки халқ мулкидан ўғирлаб, юлқиб олмоқ. Юлқиб юлиб тўймайди. Мақол. — [Бой:].. Нон тепкилик қилма! Шу соқолим билан ёлғон гапираманми? Юлсам сендай гадодан қоламанми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. — Умумий мажлисга ариза ёз. Аризангда боғни, устакани, машинани, ҳоказони — эздан юлган нарсаларингни колхозга қайтарганингни айт, — деди Чўл бобо раисга. Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

4 Кўчма Бирор нарса ҳисобидан чегириб қолмоқ; тежамоқ. Агар сизлар мана шу йўл билан бутун бир мавсумда ўн меҳнат кунини пилладан юлиб пахтага бергани ёрдам қилсаларинг ҳам зарна. А. Қаҳҳор, Кампирлар сым қоқди.

**ЮЛУҚ** Юлиб ташланган, юлиб олинган, узилган. Думи юлуқ 1) думсиз. Думи юлуқ товуқ; 2) кўчма қалта дум; чўлтоқ. — Эй, бобош бола, сочи қалта, думи юлуқ бир сатанга уйланиб олибсан-у, онанг беҳабар, — деди Каромат. Ш. Саъдулла, Икки билакузук.

**ЮЛҚИЛАМОҚ** Ҳа деб юлавермоқ, юлқимоқ. Қамолддин иягини тиззасига тираб, нарироқда каррақларнинг учини юлқилаб еётган нор туга, унинг ғамгин кўзларига тикилади. С. Нуров, Сув қўшиғи. — Чўл бағри-



дан юлқиланиб олинаётган янги-янги ҳосилдор майдонлар кўпайса, элнинг бахти-ку! — деди Ҳабиб ўғли. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ЮЛҚИМОҚ** 1 Тортқилаб узиб олмақ, юлб ташламоқ, юлмоқ. У қўлимдаги хатни юлқиб олди. — **Хушрўй** уч ой ичида томир ёйиб қолган бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчиди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Ховузда қандайдир плакат сузарди, шамол юлқиб учирган бўлса керак.** А. Мухтор, Чинор.

2 айн. **юлқиламоқ.** Юне юлқимоқ. — **Ғуломжон** бир сиқим пахтани қўлида юлқиб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қиз майда қилиб ўрилган сочларининг пиллигидан беихтиёр тола юлқир .. эди. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. **Даврон бобо орқада келаетган кампирига ўйрилганида, моши-гуруч соқолини ўзгирин юлқийди.** А. Ҳасанов, Чироқлар.

**ЮЛҚИНОМҚ** юлқимоқ фл. ўзл. н. Саломат Назирқулнинг қўлидан юлқиниб чиқди-да, девор томонга қоча бошлади. С. Аҳмад, Хукм. **Мутал уни тўжтатмоқчи бўлиб, этагидан кшап** ушлаганди, Султон юлқинаман деб кўйлаги ёқасигача йиртилиб кетди. О. Ёқубов, Ларза. **Вали ҳам бақувватгина эди. Унга [Қамолга] бўй бермаслик учун юлқинди.** Ш. Ғуломов, Саҳрода. **Отлар пишқириб, совлуқларини чайнаб, юганларини тишлаб юлқинди.** О. Ёқубов, Тилла узук.

**ЮЛҒИЧ** Жамоат мулкани ўзлаштиришга, шу йўл билан бойлик ортдиришга уринувчи шахс. Бундай сердаб-даба тўйларни оддий меҳнат аҳллари эмас, балки айрим юлғичларгина қилишяпти. Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. [Уста] ҳар икки исқирт юлғичларга фикринса-да, лекин ўзини бир нави вазминликка олди ва домланинг саломига совуқ қилиб алик қайтарди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

**ЮЛҒИЧЛИК** юлғич с. белги оти. Юлғичлик кайфиятларига қарши кураш. — Унинг гаплари ва ҳаракатларида юлғичлик ниятининг асорати ҳам сезилмайди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**ЮЛҒУН** Гули майда, оқиш, майда баргли бута. **Узоқ-узоқларда .. саксовул, туранғи, юлғун ва янтоқ кўзга ташланиб турардики, буларнинг ҳаммаси саҳро кўйишининг сахий нурига чўмганди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЮЛҒУНЗОР** Юлғун кўп ўсадиган ер, майдон. Қўйчинор маҳалласи ҳам орқада қолди. Арава тебраниб, ғижирлаб, катта-кичик қумтепалар, юлғунзорлар орасидан ўтиб, бепоён қўриққа чиқди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ЮМАЛАМОҚ** 1 Айланиб, ғилдираб кетмоқ; думаламоқ. Ғўла юмалаб кетди. — **Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси обреза тушди.** А. Қаҳҳор, Анор. **Юсуфжон ҳазил қилиб боланинг қўлидаги барабанини**

тушириб юборган эди, бола ҳам баландликдан барабан билан кетма-кет юмалаб кетди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 с. т. Йиқилмоқ; йиқилиб ўлмоқ. **Бир ўқ билан душман отдан юмалади.**

3 с. т. Ҳар томонга ағнаб, бетартиб чўзилиб ётмоқ. **Жангчиларнинг кўпи овқатланишни ҳам унутиб, қалин пичан устига юмалаб ухлаб қолишди.** Ойбек, Куёш қораймас. **Ғуломжон ўз ерига қайтди. Ғувоҳлар бири қорнини қучоқлаб, иккинчиси ерда беҳуши юмалаб ётарди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. | **Бетартиб равишда ётмоқ. Уйда ўйинчоқлар юмалаб ётарди.** — **Қодир .. судралиб обрезанинг олдига борди; у ерда юмалаб ётган ишгани кўриб кўнели озди.** А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 Тўқилмоқ, оқмоқ (кўз ёши ҳақида). **Аёлнинг тош қотган кўзларини қайғу тешиди. Юзларидан томчилар юмалади.** Ойбек, Куёш қораймас.

5 **позт.** Оғмоқ, ботишга яқинлашмоқ (қуёш ҳақида). **Қуёш юмалаб кетди футбол тўйидаи, Лолаларга кўмилди уфқ қопқаси.** Ф. Ғулом. **Кун тушдан оғиб қуёш ғарб сари юмалаб бораркан, ўз сахийлигини аямас, [жангчилар] йўлига нурдан поёндоз тўшаб дилбарлик кўрсатарди.** З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

◆ **Бир юмалаб** ҳийла-найранг билан тез амалга оширилган тadbир ҳақида. **Кампир бир юмалаб илонга айланди. «Эртақлар» Сартарошлиқдан бир юмалаб қишлоқ Совети котиби бўлиб олган Мирзабек товонига тикан санчилаётгандай, типирчилаб қолди.** «Муштум», 1959, № 7. **Юмалаб-юмалаб кулмоқ**, ўзини тўхтатолмай қотиб-қотиб кулмоқ, роса кулмоқ. **Шоқосим, афанди латифаларини жуда усталик билан айтгани учун юмалаб-юмалаб кулмасликка илож ҳам йўқ эди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Юмалаб-юмалаб ўсади** бир амаллаб, йиқилиб-сурилиб катта бўлиб кетади. **Колхозчилик, Сидиқжон, битта бола бўлса, юмалаб-юмалаб ўсади, ҳеч тавиши тортманг, колхознинг бағри кенг.** А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ЮМАЛАНМОҚ** юмаламоқ 1, 5 фл. ўзл. н. Болалар қор устида юмаланди. — **Қизча ялт этиб қаради — унинг лўппи юзларидан томчилар юмаланди.** Ойбек, Куёш қораймас.

**ЮМАЛАТМОҚ** 1 юмаламоқ 1, 2, 3 фл. орт. н. Бочкани юмалатмоқ. **Футболчи тўпни юмалатиб бориб, дарвозага тепди.** — **Мингбоши чойи ичиб бўлинган пилани палоса юмалатиб ташлади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Орқасидан бир тош юмалатиб юборсанг, вассалом, тош ўз ишини қилади.** Шухрат, Шинелли йиллар. **Ғуломжон .. кампирга човут солса, кампир уни пуфлаб етти юмалатиб юборармиш.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **Гилам, кигиз каби нарсаларни ўраб йиғмоқ. Тўрдаги юмалатиб қўйилган кигиз ичидан пичирлаган овоз**

эшитилди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. [Ойимхон] .. ичкарига қамалаётган тутунни тарқатиш учун айвон олдига тўсилган чийни юмалатиб йиғди, деворга суяб қўйди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЮМАЛАШМОҚ** юмаламоқ 1, 3 фл. бирг. н. Болалар ҳовли саҳнида қишининг тоза оқ момиғида юмалатиб ўйнашади. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ҳамма ёқда пишқириқлик. Полиларда қовун-тарвузлар тўйган қўзи болаларидай юмалатиб ётишибди** Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон.

**ЮМАЛОҚ** 1 Шар шаклидаги, думалоқ. Юмалоқ ёнғоқ. Юмалоқ қанд. — **Ер юмалоқ деса ишонмай келдинг, Хали ҳам фикрингда турибсанми, хўй? Шунини яхши билки, сен сажда қилган Чирик эгтикқодлар асоссиз ва бўй! Уйғун. Ундан [эшиқдан] ёши боланинг сочлари типратикан игаларидай юмалоқ боши кўринди.** С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юмалоқланган нарса; думалоқ нарса; шар. **Қор юмалоғи.** — [Боллар] қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалатиб-думалатиб ўз бўйларидан баланд, катта курра ясаганлар. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Доира, тўгарак шаклидаги. **Юмалоқ стол. Юмалоқ майдон.** — **Ойсулув .. шошиб бориб тоқадан юмалоқ ойнани олди.** С. Анорбоев, Оқсой. **Унинг рўпарасида кўкграгини ёстиққа бериб, дум тушиб ётган момиқдай жувон юмалоқ, оппоқ юзини Ҳожини холага ўғирди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 **Жуда семиз, бақалоқ, гирдиғум (одам ҳақида). Йўлчи ўзидан бир неча қадам нарида хўмрайиб, ҳаммага разм солган шоп мўйлов юмалоқ сариқ полиция бошлигини кўриб қолди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Паст бўйли, япалоқ юзли, ғўладек юмалоқ Бозоровнинг лапанглаб югуриши Норматнинг кўзига узоқдан гўё тўнғак думалагандек бўлиб кўринди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 с. т. **Ўзидан олдинги миқдор билдирувчи сўз билан «бўлак», «дона», «пачка» каби маъноларни ифодалайди. Бир юмалоқ печенье. Уч юмалоқ чой.** — **Бўлмаса, бир юмалоқ қанд билан бир пилла чой олиб чиқинг.** А. Қаҳҳор, Сароб.

6 **Донаси йирик ва думалоқ бўладиган узум нави. Қора кишимши, оқ кишимши, юмалоқ, нимранг кишимши жуда кўп ҳосил беради.** А. Фозиев, Ҳ. Нурий, Заркент боғлари.

◆ **Юмалоқ хат с. т. айн. ИМЗОСИЗ хат қ. ИМЗОСИЗ.** Район халқ маорифи бўлимининг мудири .. устидан юмалоқ хат ёзганман. «Муштум», 1964, № 16.

**ЮМАЛОҚ-ЁСТИҚ** Чала-чулла, ярим-ёрти, наридан-бери; юзаки. **Юмалоқ-ёстиқ қилмоқ** ишни чала-чулла, наридан-бери, ярим-ёрти бажармоқ, юзаки бажармоқ. **Мана шу йўсунда Паркент қишлоғида уч кунда ўттиз**

пора қуръонни юмалоқ-ёстик қилиб туширдик. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.— Қўриб турибсан-ку, сен билан тезроқ дийдор кўришай деб, командировкани чала-чулпа юмалоқ-ёстик қилиб қайтиб келдим,— деди Темир Роҳата. Б. Раҳмонов, Ҳзи бошқа-ю, сўзи бошқа.

**ЮМАЛОҚЛАМОҚ** Юмалоқ қилмоқ, думалоқламоқ, юмалоқ қилиб ўрамоқ. Дастурхонни юмалоқламоқ. — [Салима] қордан бир чангал олиб, шошаниша юмалоқлади. М. Исмоилий, Бизнеснинг роман. Хотин паранжи-чимматини юмалоқлаб, дераза олдида турган стол устига қўйди. А. Қаҳҳор, Са-роб. | Най шаклида ўраб йиғмоқ. Гилламини юмалоқламоқ.

**ЮМАЛОҚЛАМОҚ** юмалоқламоқ фл. йўл. ва мажҳ. н. Типратикан юмалоқланди қолди. Юмалоқланган намат.

**ЮМАЛОҚЛИК** юмалоқ с. бели оти. Ернинг юмалоқлиги. Соққанинг юмалоқлиги.

**ЮМАЛОҚ-ЯССИ** айн. юмалоқ-ёстик. Мен юкларимни шошиб-пишиб юмалоқ-яси ўраб, ҳамсафарларим, руслар билан қўл бериб хайрлашдим-да, вагондан тушдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЮМДАЛАМОҚ** Чанг солиб тирнамоқ, тимдаламоқ. Ширмонхон чорпоядан сакраб тушиб, Адолатни юмдалай кетди. С. Зунунова, Гулхан. Ёқутойим Шербекка кўзи тушиши ҳамон ўзини унга отиб, юмдалай кетди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЮМДАЛАНМОҚ** юмдаламоқ фл. мажҳ. н. У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлошига ўхшата олмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮМДАЛАШМОҚ** юмдаламоқ фл. бирг. н.

**ЮМДАМОҚ** айн. юмдаламоқ.  
**ЮМДИРМОҚ** юммоқ фл. орт. н. Отабек ухлаш учун ётган бўлса ҳам, ҳалиги гап уни кўз юмдирмай қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮМИЛМОҚ** юммоқ фл. мажҳ. н. Унинг [Шербекнинг] асаблари залдаги иссиқдан бўйшашиди, икки кўзи ўзидан-ўзи юмилиб кета берди. С. Анорбоев, Оқсой. Уйимга келиб, тузимни ялаб, эшигимдан ялтироқ тўн кийиб чиқсалар ҳаммасининг оғзи юмилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Хўжабековнинг сапсарик захил панжалари юмилиб, тарашидай қотиб қолган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЮМИНҚИРАМОҚ** Салгина юммоқ, бир оз юммоқ. Амина она ўйчан кўзларини юминқираб, яна бир лаҳза юзимга тикилиб турди. О. Ёқубов, Бир фельетон кассаси. Шаҳодат муфти кўзини юминқираб, ҳаводисдан саҳифа очди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЮММА:** юмма таламоқ бировга ниҳоятда ғазаб билан ташланмоқ, хужум қилмоқ. Комила ҳар кун гузарга чи-

қиб, кўпчиликнинг ўртасида «Ёш умиримни хазон қилдинг!» — деб уни юмма талар, гапга нўноқ Кўзбойнинг дилини сиёҳ қилишини қўймас эди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.— Анави Тожи-хон бор-ку,— дея кўпириб гапира бошладилар Иқбол сатанг,— тақачининг қўшниси-чи, бирам юмма талаб берса бўладими. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЮММА-ЮММА:** юмма-юмма йиғламоқ айн. юм-юм йиғламоқ қ. юм-юм. **ЮММОҚ** Кўзни, оғизни ва ш. к.ни қисиб, сиқиб беркитмоқ. Ашула бошланганда домлалар кўзларини юмиб, чайқала бошладилар. Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ. Чақалоқ маҳдуми талпинар, қўлларини гоҳ очиб, гоҳ юмар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ **Кўз очиб юмгунча** бир лаҳзада, бир зумда. Исфандиёр хон бўлибди! — .. деган сўзлар кўз очиб юмгунча шаҳарга тарқалди. Ж. Шарипов, Хоразм. **Оғзини юм** оғзини очма, гапирма, жим ўтир. Оғзини юм, бўлмаса кекирдагинени узиб оламан. М. Қориев, Ойдин кечалар. **Кўз юммоқ** 1) билиб туриб ўзини билмасликка солмоқ; эътиборсизлик билан қарамоқ; ҳақиқатни яширмоқ. Янги ер очиб тўғрисида муттасил кекирдак чўзадиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юммоқдалар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) кўчма оламдан ўтмоқ, қазо қилмоқ, ўлмоқ. Кошки эди сўнг қўлингда, Эркаланиб берсам жон. Сўнги нигоҳ сенда қолса, Мен кўз юмсам беармон. Зулфия.

**ЮМОР** [р<ингл] 1 Қамчиликлар, айрим воқеа ва ҳодисаларни кулгили қилиб ҳазиломуз тасвирлай билиш, уларни беғараз ҳажв қилиш. Бутун ҳаракатлари юморга бой бўлган Наби Раҳимов яратган ҳар бир образ фавқуллоҳда ҳаётийлиги .. билан қалбларни мафтун этади. Х. Тўхтабоев, Саҳнамиз юлдузи.

2 Шу йўсинда ёзилган адабий асар. Сатира ва юмор. Муқимий юморлари. **ЮМОРИСТ** [р] Юморист асарлар ёзувчи адиб.

**ЮМОРИСТИК** [р юмористический] Юморга асосланган; кулгили. Юмористик ҳикоя.

**ЮМРОН** айн. юмронқозик. Бир юмрон ҳа деб ёйза уватидаги кавакдан тупроқ чиқариб ташлаётти. Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла.

**ЮМРОНҚОЗИК** Ер остидаги инларда яшаб экинларга зарар келтирувчи тийнлар оиласига мансуб кемирувчи сүтэмизувчи ҳайвон.

**ЮМУРТҚА** диал. Тухум.

**ЮМУШ** 1 Иш, хизмат; меҳнат. Оғир юмуш. Рўғзор юмушлари. — Қайната билан қайнанинг уйдаги юмушлари ҳар кун эрталабдан кечгача келинга ибратли ва инсофли хотин қандай бўлиши тўғрисида насиҳат қилиш эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Елкага баҳор офтоби тегиб, дехқоннинг юмуши кўпайиб қолган. С. Махкамов, Катта рулда.

2 Вазифа, топшириқ. Паст баҳо асло олма, Пок юзинга доғ солма. Уйинга берса юмуш, Лозимдир ёзиб қўйиш. Қ. Муҳаммадий. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, юмуши билан машғул. Х. Фулом, Машғал. Отабек меҳмонларни танчага ўтказиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради: «Баъзи юмушлар буюрсам...» — «Буюрингиз, ўғлим». А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЮМУШКОР** Меҳнатқаш; ишчан. Юмушкор йигит.

**ЮМУШЛИ** Иш, юмуш билан машғул, иш билан банд, ишли. Юмушли одам.

**ЮМУШСИЗ** Ишсиз, иш қилмайдиган. Юмушсиз одам. || Бир кун ҳам юмушсиз туролмайман.

**ЮМУШЧИ** Бирор иш билан шуғулланувчи, бирор вазифани бажарувчи; ишчи, меҳнатқаш. Ҳар ёқда питирлаб юрган юзларча юмушчилар, навқарлар уни жилла кўзга ташлатмас эди. Ойбек, Навоий.

**ЮМУҚ** Очиқ эмас, юмилган (кўз, оғиз ҳақида); қисик. Қўзи юмуқ киши. — Не гап узи, жаноб? — сўради яна бир чўққи соқол, чўтир, бир кўзи юмуқ дўқдордан, яқка кўзини чақнай-тиришга тиришиб. Ойбек, Нур қидириб. Қўрбошининг чап кўзи юмуқ, лекин ўнг кўзида алақандай ёмон ўт ёниб турарди. Х. Фулом, Машғал.

**ЮМШАЛМОҚ** айн. юмшамоқ.  
**ЮМШАМОҚ** 1 Юмшоқ қолга келмоқ, майинлашмоқ. Мум юмишди. Аэот билан ўғитланган ер юмишайди. — У [Йўлчи] бу ерга олдин сув бериб, ер юмишганда сўнг кавлаш кераклигини англаса ҳам, вақтни йўқотмаслик .. учун метин жойни кавлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўчма Ҳовридан, ғазабдан тушмоқ; андиша, шафқат йўлига ўтмоқ; эримоқ. Аразлаб турган Зиёдахон Шербекнинг гапига юмишди: «Болалиқдаги шўхлигингиз ҳалиям қолмабди,— деди. С. Анорбоев, Оқсой. Аммо ясовул бир қизнинг ялиниб-юлворишидан юмшайдиган кишилардан эмас. Айний, Дохунда. Қампир неварасининг порлаб турган кўзларига тикилиб, бир оз юмишди. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинлар.

3 Кўчма Пасаймоқ, сусаймоқ, бўшашмоқ (совуқ ҳақида). Совуқ бир оз юмишди тушган, қўши очик ҳавода ҳаракат этмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Февралнинг ўрталарида ҳаво юмишди, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёниги тешилла бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Кўчма Ижобий томонга юз тутмоқ, яхшиланмоқ (вазят ҳақида). Совет ҳукуматининг изчил тинчлик сиёсати тўғрисида қайинги пайтларда халқро кескинлик анча юмишди. «К. Ўзбекистон», 1959, № 176.

**ЮМШАРМОҚ** айн. юмшамоқ. У [Жонфигон] ўпкасини тутолмай, иш-лаб юборди, Малоҳат уни ҳеч қачон

бу аҳволда кўрмagan бўлса керак, юмшарди. А. Қахҳор, Жоңфигон.

**ЮМШАТИЛМОҚ** юмшатмоқ *фл.* мажх. н. Сел ювиб кетган ерлар юмшатирилиб, трактор култивациясидан кейин эгкан чигитларимиз ҳам қатор униб чиқди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**ЮМШАТИШ** 1 юмшатмоқ *фл.* иш оти. Терини юмшатиш. — Алиқул харидорларнинг бирига новот солинган чой, бирига чилим таклиф этиб, кўнглини юмшатишга жуда моҳир эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Чол, чармни кўва билан асабий равишда дўқиллатиб уриб, савдозарни яна юмшатишга тиришди. Ойбек, Кутлур қон.

2 қ. х. Ерни юза ҳайдаш, чопиқ қилиш. Ерни ҳайдаш олдидан юмшатиш. Ғўза туплари остини юмшатиш.

◆ **Юмшатиш белгиси** *грам.* «ъ» ҳарфининг номи.

**ЮМШАТМОҚ** 1 юмшамоқ 1, 2, 4 *фл.* орт. н. Терини юмшатиш. — Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўйлаштириб қўйган. П. Қодиров, Уч илди. [Ғофир:] Ахир, бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оху-зорлари кўнглингизни юмшатиладими? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 қ. х. Чопиш, ҳайдаш йўли билан тупроқни юмшоқ, ғовак ҳолга келтирмоқ. Ҳалимга ажратилган ерни ҳам юмшатиш, ҳам экиб олдми. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Ишладинг, юмшатишнинг ёмби тупроқни, Ҳалимга кўрсатди шу асл пардоз. Ғайратий.

**ЮМШОҚ** 1 Қўл тегса ботадиган, майин; қайишқоқ, бўш. Юмшоқ ёстиқ. Юмшоқ пат. Юмшоқ хамир. — Ҳў тўрида, юмшоқ кўрпа устида қаргашоғи кўйлакли бир хотин .. ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У беихтиёр тўшакдай юмшоқ майсазорга ўтириб қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди. С. Аҳмад, Уфқ. Бек .. унга [извошга] истар-истамас чиқиб, юмшоқ ўриндиққа ўтирди. Ҳ. Ғулум, Машғал. || Қаравотнинг никеллигидан, мебелларнинг юмшоғидан оласиз. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | Нозик, мулойим. Нормат Адолатнинг юмшоқ қўли, нозик бармоқларини қафти билан силади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Осонликча турли шаклга кирадиган, ишлов берилиши осон, бўш. Юмшоқ ёғоч. Юмшоқ металл. — Алебастр сувга тушганда аввал қаттиққа ўхшаб юмшоқ бўлди. С. Аҳмад, Тошоша.

3 Чайналиши, ейилиши осон; майин, мулойим (овқат ҳақида). Юмшоқ шавла. — Мана, йигитча, юмшоқ нон ҳам олиб чиқдим. Ҳ. Ғулум, Машғал. Шу йигит менга уч ҳафта қаради, бир бурда нон топса юмшоқ жойини менга бериб боқди. А. Қахҳор, Кўшчинор.

4 кўйма Бировга қаттиқ гапирмайдиган, дағаллик қилмайдиган; мулойим, илтифотли. Мунаввар «ўта интеллигент», юмшоқ бир одамга дағаллик қилиб, озор берганига ўксинди. С. Анорбоев, Мехр. Кампир кўни кўрган, аччиқ-чуқуқни татиған, юмшоққина хотин эди. С. Аҳмад, Ота. Юмшоқ муомалали бу барно йигитларни кўриб, Холжон хола ҳам талтайиб кетди. Ғайратий, Довдираш. Кўнгли юмшоқ ёки юмшоқ кўнгли бировнинг гапига тез ишонадиган, тез кўнадиган; кўнгличан, раҳмдил. Очил қанчалик тез ва кўнгли юмшоқ бўлса, Маҳкам ишунчалик вазмин эди. П. Қодиров, Уч илди.

5 Мулойим, майин, ёқимли (об-ҳаво ҳақида). Юмшоқ иқлим. Юмшоқ шабада.

6 Озор етказмайдиган; енгил. Юмшоқ жазо. — Кутурмай ҳам нима қилсин, чайқовчиликда айбланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳукм чиқарадики, билмайсан киши: жазо бердим, насиҳат қилдимиз? А. Қахҳор, Оғайнилар.

◆ **Юмшоқ супурги** қ. супурги. **ЮМШОҚЛАНМОҚ** с. т. Юмшамоқ. **ЮМШОҚЛИК** юмшоқ с. белги оти. — Аяжон, — деди Адолат юмшоқлик билан, — клубдан сира кўрқманг .. У ерда эркак киши бўлмади. С. Зуннунова, Гулхан. Қларкнинг юзида ғайри расмий вақтларда камдан-кам кўринадиган юмшоқлик бор эди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЮМ-ЮМ:** юм-юм йиғламоқ ёш тўкиб, кўздан мўл ёш оқизиб йиғламоқ. **Мехриниса** Ботирни бағрига босиб, юм-юм йиғлайверди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Дадам келиб ўзини қаравотга отди, мени қучоқлаганича юм-юм йиғлади. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**ЮМ-ЮМАЛОҚ юмалоқ** с. инт. Юм-юмалоқ тош. — Ғўладай юм-юмалоқ семиз бўлса ҳам, ясан-тусанни жойига қўйган қирқ ёшлар чамасидаги аёл ичкари кириб келди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

**ЮНГ** с. т. Жун. Туя юнги. Юне савамоқ. || Юнг рўмо. — Юнелари қирқилиб енгил бўлган қўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади. О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. Айиқдай бесўнақай, юнелари ҳурлайган оқ ит конворт тишлаб келди. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

**ЮНДИ** с. т. Ювунди. **ЮНДИХҲҲ** с. т. Ювундиҳх. Муштумзўрнинг юндиххўри домла, имом. Ғ. Ғулум.

**ЮНКЕР** I [р<нем] Феодал Пруссияда йирик ер эгаси, дворян. | Умуман немис помешчиги.

**ЮНКЕР** II [р<нем] I Революциядан олдинги Россияда офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртининг ўқувчиси. Юнкерлар мактаби.

2 19 аснинг 60 йилларигача Россияда маълум муддат хизмат қилиб,

имтиҳон тоширгандан кейин офицер унвонини олиш ҳуқуқига эга бўлган дворян боласи.

**ЮНОН** *айн.* грек. **ЮПАНИШМОҚ юпанмоқ** *фл.* бирг. н. **ЮПАНОМҚ** I Йиғлашдан тўхтамоқ, овунмоқ (ғўдак ҳақида). Болалик экан, янги кийим дарагини зийитиб юпаниб қолдим. И. Раҳим, Оловкор.

2 Таскин топмоқ; овунмоқ. Холмурод бу одамлар орасида бир оз юпанди. П. Турсун, Ҳўкутовчи. Уйланмай ёши ўтиб кетаётган ўғлининг гоҳи қизлар ҳақидаги гаплари Шарофат холага ҳамма вақт сирли бир қувонч бағишлар эди. Ҳозир ҳам шу фикр билан юпаниб, .. ўз ишлари билан овора бўлди. А. Мухтор, Чинор.

**ЮПАНТИРМОҚ юпанмоқ** *фл.* орт. н. Болани юпантирмоқ.

**ЮПАНЧ** Кишини юпантирувчи, овунтирувчи, ором бахш этувчи; овунч, қувонч. Қўшиқ — жон озиғи! Кўнгиларга юпанч ва гурур бахш этмоқ учун саз билан сўз уйғун келиши керак. А. Исроилов, Инсон ва қўшиқ. Қечалари юдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгли алақандай юпанч изларди. С. Аҳмад, Уфқ. У [Моҳидил] онасини ниҳоятда севар, бир зумгина асрашини истамас, юпанчи ҳам қувончи ҳам — шу она. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ЮПАНЧИҚ** Кишини юпантирувчи, овунтирувчи шахс; овунчоқ, қувончиқ, юпанч. Бола — унинг бирдан-бир юпанчиғи. — Қани дунё тор кўринганда кўнглимни кўтарувчи юпанчиқларим? Наҳотки, Шакар шу кетганча бадар кетса, мендан юз ўйирса? Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. — Ёлғиз ўғлимнинг жуфти, ўғлим йўғида юпанчиғим бўлар, деб ўйловдим, — деди Нуқра опоқи Солия опага. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ЮПАНЧЛИ** Кишини юпатадиган, овутадиган; таскин ва осойишталик бағишлайдиган. Сўйламади юпанчиқ сўзлар, Одатдаги дўстлар сингари; Аммо енгил тортиб нафасим, Назаримда ғам кетди нари. Зулфия.

**ЮПАТГУЛИК** Юпатадиган, овунтирадиган, таскин бера оладиган. Онаси ҳам боласининг, бахти қора жигарўшасининг кўзларида шу зору мушқоқлик оловини кўрар, лекан уни юпатулик .. сўз тополмаганидан дилхун бўларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮПАТИШМОҚ юпатмоқ** *фл.* бирг. н. Ҳўзлари қақшатиб, ўзлари юпатишади. Ҳозирги юпатиш бир ордан кейинги қақшатишнинг учқунни эмасми? И. Раҳим, Ихлос.

**ЮПАТМОҚ** I Йиғлашдан тўхтамоқ, тинчитмоқ, овутмоқ. Болани юпатмоқ. — «Муз тоғ»лардан чиқарди Бир алла сози — Ёш ғўдакни юпатган Она овози. Ҳ. Олимжон.

2 Қайғу-аламини енгиллатишга

уринмоқ, таскин бермоқ, тинчитмоқ, овутомқ. Ойқиз .. Мехрини юпатиш ниятида «хафа бўлма, ҳаммасини тушундим» деган маънода қўлини кўтариб, самимий хайрлашди ва меҳрибонлик билан уйига таклиф этди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Мени галаба ва халқимизнинг бахти юпатилади: Уйғун. Хуришд аясини юпатиб, кўнглини овлашга ҳарчанд уринса ҳам, оловдек ёниб турган она тафтидан тушмади. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

**ЮПАТҚИЧ** айн. юпанч. Исмоил аканинг қўлида унинг кўнгли юпатқичи, бирдан бир суянчиги .. найи бор эди. Туйғун, Найчининг қалби.

**ЮПІТЕР I** [р<лат] (Ю — катта) астр. Куёш системасининг Куёшдан ҳисоблаганда бешинчи планетаси; Муштарий.

**ЮПІТЕР II** Кинога олиш маҳалида ишлатиладиган жуда кучли электоритетувчи асбобларнинг умумий номи.

**ЮПУН I** Танани яхши иситмайдиган, юпка, энгил-елпи (кийим ҳақида). Юпун чопон. || Қиш совуқ ва лойгарчилик келди. Менинг устим юпун, кавушимнинг бир жағи йиртилган эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Камолнинг] соқол-мўйлови ўсган, кийим-боши юпунгина. Х. Назир, Кўктерак шабадаси. || Йўқчилардан бўлса керак, ҳар қалай, Дўст ёшлигида анча юпун кийинарди, бунинг устига юзи сал бужур, жисмоний ҳуснда камчиликлар бор эди. М. Жўра, Изтироб.

2 Уст-боши хароб, камбағал; қашшоқ. Қир, юпун одамлар ҳансираб, калованиб букилиб боринарди. Ойбек, Куёш қораймас. || Мехнат аҳли юпун, яланғоч, Чапатиға бўлдилар муҳтож. Ғайратий.

3 Кўчма Қийинчиликда қолган, қийинчилик билан ўтаётган; ночор. Болалик, ғариб ва юпун кунлардан бери дўст бўлган Охунбобоевнинг ишончига лойиқ иш қилолдимми, кексайганимда беобрў шарманда бўлиб қоламаними?! С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Саид Бурҳон маҳдум оз фурсатда ўзининг юпун аҳволини тузатиб олди. Ғайратий, Довдираш.

4 Кўчма Харобага айланган, вайрон, хароб. Баданга чиққан куйдирги жароҳатининг бир умр қоладиган доғидек, мўғул зарбасининг кўрқинчли излари ҳали ҳам юпун Балхнинг гавдасида сақланган эди. Ойбек, Навоий. Хароб, юпун, таланган қишлоқнинг изтироббахш манзараси еғё Пөлвоннинг кўксига ўз дардини кўярди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ЮПҚА I** Қалин эмас, кўндалангига ингичка; нозик. Юпқа газлама. Юпқа тери. Юпқа қоғоз. Юпқа тунука. Юпқа шиша. — У бир лаҳзада косани тушириб, юпка пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудек бўлиб турган шафтолға қўл урди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Унча қалин эмас.

**Юпқа кўрна.** Юпқа девор. — Юпқа, мурабба пишиқ ғиштан қурилган бу ҳужра тоғни тешиб қилинган фўрга ўхшар. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўламанат мўйлов юпқа лас чопон устидан қаваат-қаваат боланган қийиқчаларга қўлини тиради. С. Анорбоев, Оқсой. [Абдушукур] гап орасида қўлтиғидан сариқ қоғозли, юпқа бир китобчани чиқариб, Ҳақимбойваччага узатди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қалин эмас, этсиз. Олдига яхши бир чит кўйлак, беш сўм пул қўйилганда, севинчидан камтирининг юпқа ва қотма лаблари ёйилиб кетди. Уйғун, Турсуной.

2 Зич ёки қалин эмас, сийрак (туман, тутун, булут ва ш. к. ҳақида). Дарё устини юпқа туман қоплаган. — Қор ёмғирда бўжиб ётган ерлардан юпқасина буг кўтарилди. Ойдин, Ширинга мактуб. Уфқдан кўтарилган куёш чанг ва тутун орасидан юпқа булут босган тўлдин ойдаи кўринар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 от Хамирни чаллакка ўхшатиб ёйиб устига ёғда қовурилган қийма, сабзи солиб, қозонда пишириладиган таом; чўзма. Юпқа пиширмоқ. — Уқшида толиқиб қолмасин деб доим сомсам, уч-тўртта юпқами пишириб қўяман. Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. | Қатирма, чапати. [Йўлчи] терлаб-пишиб минг азоб билан топган пулига йўлда Унсин учун атиги иккитагина юпқа вазнсиз нон, оз-моз узум ола билди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Сояси юпка қ. соя. Териси юпка қ. тери. Юпка томоқ нозик ва чиройли бўйинли қиз ёки жувон ҳақида.

**ЮПҚАЛАНМОҚ** айн. юпқалашмоқ. **ЮПҚАЛАШМОҚ** Юпқа бўлиб қолмоқ. [Унсиннинг] бошида эски, тўзиган қизил шол рўмол, зенида пахтаси юпқа солинган ёки ювила-ювила юпқалашган калтагина қора лас камзул, этаклари фикимланган, ранги айниган чит кўйлак. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЮПҚАЛАШТИРМОҚ** юпқалашмоқ фл. орт. н.

**ЮПҚАРМОҚ** кам қўлл. айн. юпқалашмоқ.

**ЮРАК I** анат. Кўкрак қафаси ичига жойлашган, мускул қопчиққа ўхшаш марказий қон айланши органи. Соғлом юрак. Юракнинг уриши. Юрак касаллиги. Юрак клапани. Юраги пўкиллади. — Юрак бир-бири билан туташмайдиган икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмлар бир-биридан яхлит тўсиқ билан ажралган. «Анатомия». Юрак зарур нарса. Юрак бақувват бўлса, иш ҳам унумли бўлади, киши чарчамайди. Уйғун, Сўнгги пўшайман. [Умушининг] ҳарорати кучли, юрак уриши фавқулдда тез эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Юрак ўйноғи юракнинг тез ва кучли уриши билан характерланадиган касаллик. Эъвозхоннинг юрак ўйноғи ҳа деганда босила бермади. Х. Фулом, Маштбал. **Юраги ўйнади** 1) юраги тез ва кучли

урди. Отини қутидорнинг йўлагига етаклар экан, негадир юраги ўйнаб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма ваҳима босди, кўрқди, ҳовлиқди. Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Қанизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: Борди-ю шу бўлса-чи. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Кўчма Қалб, кўнгил, дил, жон. Ўз юрагинга сиғмаган сир, ўзганинг юрагига сиғмас. Мақол. — Пахтазорда бўлиб ўтган жанжал Ойқиз юрагига чуқур из қолдирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қисман у [Зебо] ҳақли эди. Зотан асрлар фожияси ва қувончи бўлган муҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир юракда мисли кўрилмаган ўзига хослик билан барқ уради. Шухрат, Шинелли йиллар. Фарзанд ўғилми, қизми, барибир — ота-онанинг юраги бўлар экан. Ойбек, Қутлуғ қон. Григорий: Эҳ.. Шумилор, Шумилонинг келгани рост бўлса-чи .. Сен уни билмайсан, у ишчининг юраги эди. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Юраги кенг (ёки дарё) қ. кенг. Юраги така-пука кўнгли бежо, хавотир. Юраги тор арзмаган нарсага қуйнаверадиган; тажанг. Анзират хола ҳам юраги торина кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қиладиган, .. уйи ҳам гўрга ўхшайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Юраги тош айн. бағри тош қ. бағир. Юраги қора ёки қора юрак бировга яхшиликни раво кўрмайдиган, ёмон ниятли. Юраги безиллайди қ. безилламоқ 1. Юраги бетламади айн. юраги дов бермади. Шундан-шунга чопиб келиб, мактаб директорига учрагани юрагим бетламади. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Юраги дов бермади қ. дов 1 2. Юраги орзикди қ. орзикмоқ. Юрак олдирмоқ қ. олдирмоқ. Юраги орқасига тортиб кетди қаттиқ кўрқди, чўчиб кетди. Сарой мулозимини кўргач, унинг юраги орқасига тортиб, эти сесканиб кетган эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Юраги тутдай тўқилди интвзорликда изтироб чекди, дили бесаранжом бўлди. Худди биров: «Эй ўла, шунча қада, чиройли йигитни кўрсанг юрагинг тутдай тўқилади», — деб таъна қилаётгандай қизарди. А. Қаҳҳор, Сароб. Юраги чопмади айн. кўнгли чопмади қ. чопмоқ 1. Юрагим шув этиб кетди қ. шув. Юраги эзилди қ. эзилмоқ 2. Юраги қон бўлди сиқилди, эзилди, хуноб бўлди. Эртадан бери дўпни, қийиқча, жияк тика бериб юраги қон бўлган қизлар, худди қафасдан қутулган қушдек, томма-том сакраб, гузар тепасига бориб қолганларини сезмайдилар. Ойдин, Бечора. Юрагида кири йўқ бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, дили пок; дали-ғули. Чин юракдан астойдил, самимий. Юрагини бўшатмоқ қ. бўшатмоқ 1. Юрагини чангалламоқ бирор нарса ҳақида ўта ташвишланмоқ, кўрқмоқ. Ҳаёт қозонни ювди-ю, қопқоғини ёпиб, ки-

риб кетди. Энди бўш саҳна, унинг этагида юрагини чангаллаб ўтирган Ғуломжонини қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Бирор нарсанинг асоси, маркази. Москва Ватанимизнинг юрагидир. — Барибир, бригадирлар — қолхоз ишлаб чиқаришининг юраги, улар билан маслаҳатлашиш зарарли эмас. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ха, улар Тошкент темир йўл устахонаси Туркистонда қўзғолоннинг юраги эканини тушунадилар. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

4 с. т. Корин, ошқозон. Унинг юраги ғижимлаб оғрияпти. Юрак буруқ айн. юракбуруғ. Соғлиқни сақлаш бўлимидан чўпонлар ўртасида юрак буруққа қарши профилактика ўтказиш тўғрисида кўрсатма бор. С. Анорбоев, Оқсой. Юрак оғриғи с. т. 1) ич бузилиши, қорин оғриғи; 2) кўчма қатъиятсиз, мужмал; юраксиз, кўрқоқ.

◆ Юраги ёрилди қаттиқ кўрқди, чўчиб кетди. Қолхоз деса юрагине ёрилади-я! Қолхоз шундай нарасаки, хоҳлаган одам кирди, хоҳламаган одам дўпписини яримта қилиб юра беради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Юраги йўқ 1) сабр-тоқата йўқ; 2) кўрқоқ. Юраги чидамади сабр-тоқати етмади. Юрак ютиб кўрқмай, жасорат билан. Юраги кинидан чиқаёзди айн. юраги ёрилди. Ғуломжон Ҳаётнинг аранг етиб келган майин товушини эшитиб, юраги кинидан чиқиб кетаёзди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Юрагига қил (ҳам) сиғмайди кўнгли ғаш, хафа, диққат. [Холихон:] Қичқирма, юрагимга қил сиғмай қолди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Юрагини ёрмоқ бировни қаттиқ кўрқитмоқ, чўчитмоқ. Чернецов жангчилар олдидан узоқлашган, Эмин Норматга: «Нега юрагимни ёрган эдингиз? Қомиссар индамади-ку»,— деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЮРАКБУРУҒ с. т. айн. ичбуруғ. Қиморбоз билан олти йил умр қилдим. Уч бола кўрдик, лекин биттаси ҳам турмади. Бирини қизамиқ, бирини кўкйўтал, кичигини юракбуруғ олиб кетди,— деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮРАҚДОШ поэт. Фикр-ёди, ўйи, мақсади бир хил бўлган; ҳамнафас, дўст. Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳамиша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош. С. Абдулла. Кўйнимда — Қўқрагимнинг тўрида .. Шу кичик авлон китоб — Юракдошим партбилетим. Шайхзода. Урушда учрашдик, ака-укадай юракдош бўлиб қолдик. З. Фатхуллин, Сўнас юлдуз.

ЮРАҚЗАДА: юракзада бўлиб қолган юрак олдириб қўйган, чўчиб, кўрқиб қолган. Қолхозчилар сўнги йилларда нобон раисларни кўравериб, юракзада бўлиб қолган эдилар. Й. Шамшаров, Юксалиш.

ЮРАҚЛИ Юрагида ўти бор, шижоатли, ғайратли, жасур. Юракли йигит. — Зевихон опангиз сизни жуда миқта-

ди. Юракли қиз экан, деди. С. Зуннуова, Гулхан. Қўзимизга бегона бўлиб кўринган бу совуқ йўлада биз ўт юракли, соф виждонли, меҳнатсевар кишиларни учратдик. С. Тошхўжаев, Курраш йиллари. Аммо арслон юракли Отабек ҳам бадбахтни шундоғ янчиб ташладики, бу жуда оз кишилар кўлидан келадиған ишдир. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЮРАКСИЗ Бирор нарсага ботинолмайдиган; кўрқоқ. Юраксиз бола. — Жудаям юраксиз одамсиз-да, Юсуфбек,— деди муфти. А. Ҳақимов, Илон изидан. Ў Ёнбоилаб ётанлар, туриб ўнганлиб ўтирдилар, баъзи юраксизлар орқа-ўнгарига қараб ҳам олдилар. Ҳ. Шамс, Душман.

ЮРАКСИЗЛИК юраксиз с. белги оти. Эҳтиёткорлик юраксизлик эмас. — Хошим муштумини кўрсатди-ю, аммо туширишга келганда юраксизлик қилди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ҳали унчалик оғир гап ўтгани йўқ, юраксизлик қилиб бу машинани ташлаб кетса, ўшинда шарманда бўлади. Й. Шамшаров, Довруғ.

ЮРАКСИНМОҚ қам қўлла. Бирор нарса қилишга ёки гапиришга ботинмоқ, юраги бетлаб бирор ишга киришмоқ. [Офтоб ойим] Қумушга оғиз очишга юраксина олмай, азобланар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЮРАМОЛ 1 диал. Тез юрадиган, юришга моҳир. Юрамол от.

2 айн. юримсақ.

ЮРГИЗИЛМОҚ юргизмоқ фл. мажх. н. Машина аранг юргизилди. Динга қарши ташвиқот юргизилди.

ЮРГИЗМОҚ 1 юрмоқ 1, 2, 4, 5, 6, 8 фл. орт. н. Тракторни юргизмоқ. Соатни юргизмоқ. — [Йўлчи] гулбоғчадаги у пари кўздан ғойиб бўлгунча, отни секин юргизиб... ширин йўларга ботган ҳолда кетди. Ойбек, Қутлуг қон. Махсимнинг отаси Максим Максимович Андижонда Ғиёсиддин тилмоннинг пахта заводидида жин машина юргизарди. С. Аҳмад, Ҳукм. Водоканаларга қарайдиган, ўшаларни юргизадиган бир рус бор эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Маълум иш олиб бормоқ, бирор иш ёки фаолият билан шуғулланмоқ. У [Абдушукур] ўзини энг «кўзи очик ва янги фикрли» мусулмонлардан ҳисоблаб, «усул жаҳид» мактабларини очишга ташвиқот юргиза бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Кўчма Бирор нарса билан чизмоқ, бўямоқ. Туш устидан қизил қалам юргизмоқ. Пиёла четларига тилла сув юргизмоқ. — Қошининг ўз қораси қаноатлантирмади шекилли, устидан қора қалам юргизди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

◆ [Бировнинг] бошида тегирмон тоши юргизмоқ қ. тегирмон. Кўз юргизмоқ қараб чиқмоқ, назар ташламоқ. Йўлчи атрофга кўз юргизиб, сўне мулозимлик билан жавоб берди. Ойбек, Қутлуг қон. Фикр юргизмоқ қ. фикр 1.

Ўз сўзига юргизмоқ ўз айтганини қилдирмоқ. Ёв тинч ётмас.. [бағзиларни] алдаб-сулдаб ўз сўзига юргизмоқда. Ғ. Ғудом, Шум бола.

ЮРГИЛИК юргилиги қолмади элга қўшила олмай қолди, эл ичида юролмамай қолди. Фикр қилиб йўладим, хўб бўлмади, Оқтош элда юргилигим қолмади. «Муродхон». Ер босиб, кўз очиб юргилигим қолмади. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ЮРДИРМОҚ юрмоқ 1, 2, 4, 5, 6, 8 фл. орт. н.

ЮРИДИК [р юридический] Ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид; ҳуқуқий. Юридик консултация. Юридик факультет.

ЮРИЛМОҚ юрмоқ 1, 2, 4—7 фл. мажх. н. Ун минут қадар йўл юрилган, бир томони чуқур жарлик кўчада Ермат бирдан отни тўхтатди. Ойбек, Қутлуг қон.

ЮРИМСАҚ с. т. Кўп юришни, масалан, меҳмондорчиликни яхши кўрадиган (аёллар ҳақида). Юримсақ жувон.

ЮРИНМОҚ юрмоқ 1, 2 фл. ўзл. н. У [Қумуш] меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам терайиб тоқчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЮРИСОНСУЛҒ [р<лат] Бирор муассасанинг ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи ва унинг манфаатини суд ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилувчи шахс. Нашириётнинг юрисконсулти.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ [р<лат] Ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ нормаларининг амалий суратда қўлланиши билан алоқадор бўлган билимлар мажмуи.

ЮРИСТ [р<лат] Ҳуқуқ соҳасида амалий ёки илмий текшириш иши олиб боровчи мутахассис; ҳуқуқшунос. Моддаси моддасига тўғриланди. Пихини ёрган юрист ҳам материалдан хато тополмайди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЮРИСТЛИК 1 юрист с. касб оти. Юристлик қилмоқ.

2 Юристларга, ҳуқуқшуносларга хос. Унинг энида ёқасига юристлик белгилари тақилган оқ каламенка китель, бошида фуражка. О. Ёқубов, Ларза.

ЮРИТИЛМОҚ 1 юритмоқ фл. мажх. н. Машина буеун юритилади-ми? — Бу тўғрида юритилган фикр, ўқилган мақолалар унинг [Элмуроднинг] кўзини янада каттароқ очиб, мулоҳазасини чуқурлаштирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 ... деб айтилмоқ ёки аталмоқ. Предметни билдирувчи сўзлар от деб юритилди.

3 с. т. Олиб борилмоқ, бошқарилмоқ. Идора ишлари қайси тилда юритилди?

ЮРИТМОҚ юрмоқ фл. орт. н. [Шоқосим] яна жувозни юритиб... қичқирди. Ойбек, Қутлуг қон. Бу икки



[киши] қоғозга михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қирр-қирр қоғоз устида юриштиб турар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Фикр юришмоқ** қ. фикр 1.

**ЮРИШ 1 юрмоқ** фл. иш оти. Поезднинг юриши. Соатнинг юриши. — Ишит уни мўъжаз қолатидан, чақ-қон юришидан дарҳол таниди: «Хаёт, Хаётим!» деб юборди у. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ёшлигига қарамай чапанича юришга тақлид этган бир бола — чойхоначининг шогирди, — нақ мўлжалли вақтда Мирзакаримбойга чой келтирар.. эди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бедана юриш** қ. бедана. **Ғоз юриш** қ. ғоз 1.

2 Меҳмондорчилик, кино, театр, сафар ва ш. к.га бориш; сайр қилиш, томоша қилиш. **Юришни яхши кўрадиган хотин.** — Узлари тўйма-тўй юришини, ярқирок чопонлар кишини яхши кўрадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 ҳарб. Душманга, ёвга қарши ҳўшин тортиш, жангга отланиш. **Юриш қилмоқ.** — Рота командири старший лейтенант. Годин шу ерғача бўлган юришга ақун ясади. Шўхрат, Шинелли йиллар.

4 Бирор кимсага қарши ёки бирор мақсадга эришиш учун ташкилий равишда кўтарилиш, оммавий ҳаракат. **Эртасига муштумзўр хўжаликларни тугатиш учун юриш бошланди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Халқ юриш бошлади.** Бу бир бурда қон учун, инсоний ном учун бошланган юриш эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Шаҳмат, қарта каби ўйинларда ўйновчининг навбатдаги ҳаракати, талбири. Бу юриш ютқизикқа олиб боради. **Юриш кимдан? Юриш мендан.** Филми юриш. Дамкани юриш.

6 с. т. Хаёт кечириш, яшаш. — Ана гап! — деди Султонали, — балки умр бўйи шу вазифада қолиб кетарсиз. Шу ҳолда бутун умр хотинсиз юриш.. хах-хах! А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мен Совет даврида кўкрагимни кўтариб юришга ўрганиб қолган йигитман. Мен ўз юртимда мусофир итдай думимни қисиб юришни хоҳламайман. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

7 айн. **юриш-туриш.** Бир ордан сўнже Шоқосим отларни тўхтатиб, Йўлчи-га қичқирди: Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап? Янги кийим кийган етимчадай кўзларинг така-пука, юришларинг инчунин бежо? Ойбек, Қутлуғ қон. Бу юриши ўз бошига балоди(р), Бировнинг қўлида тайин ўлади. Ф. Йўлдош.

◆ **Кун юриш томон с. т.** жануб. Қишлоқнинг кун юриш томони.

**ЮРИШЛИ 1** Тез ва яхши юрайдиган. **Юришли айғир.** — Салимбойвечча, яхши ва юришли бўлса ҳам... бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашга қарор қилар, дам яна айнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Сайр ёки томоша қилса арзийдиган. **Йўқса жоним, юринг. Янги шаҳарга**

чиқайлик, кечқурун юришли жойлар бор, ҳаммаси руслар, айланиб келамиз. Ойбек, Улуғ йўл.

**ЮРИШМОҚ 1 юрмоқ** фл. бирг. н. Улар анча жўйғачча пиёда юришди. — Жангчилар кийим-бошларини ечиб чиқариш, асимок учун у ёқдан-бу ёққа юришар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Болалар ҳали ҳам кўчада тўполон қилиб юришарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Иши ўнгидан келмоқ, омади келмоқ. Иш юришди. Ови юришди. Иш юришмаса булмағи дандон сундира. Мақол. — **Хавога устун каби кўтаришган чанг-тўзон, қий-чув овозлар ишининг юришиб кетганидан далолат берар эди.** М. Осим, Аждодларимиз қисаси.

◆ **Ўт юришди** ўт авж олди, ёниб кетди. **Ўт юришиб кетгандан сўнже ўчоққа икки-учта ўрик ўтин ташлади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Хаво (ёки кун) юришиб кетди** ҳаво очилиб, кун исчи қолди. **Хаво юришиб кетгунча анча траншея қазиб оламиз.** И. Раҳим, Ихлос.

**ЮРИШТИРМОҚ юришмоқ** фл. орт. н. Ғулможон бир иш қилса, унга қаттиқ берилиб кетганиданми ё уни юриштиради деб билганиданми, ашула айтиб туриб қилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЮРИШ-ТУРИШ** Ўзини тутта билиш йўсини, хатти-ҳаракат; хулқ-атвор, қилқ. Унинг юзи-кўзи ва юриш-туришида бошқа жангчиларниқидан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ эди. Шўхрат, Шинелли йиллар. У Шакархоннинг ҳозирги юриш-туришидан шубҳаланган эди, шубҳаси тўғри чиқди. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Бригада аъзолари меҳнатдаги маҳорати билангина эмас, юриш-туришида, ўқишида ҳам бутун комбинатда намуна экан. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ЮРМОҚ 1** Қадам ташлаб олға бормоқ, қадамлаб жилмоқ. Тез юрмоқ. Секин юрмоқ. Оқсаб юрмоқ. Олдинга юрмоқ. Пиёда юрмоқ. От юрмай тураверди. **Юрган — дарё, ўтирган — бўйра.** Мақол. — **Кампир юрганда, ҳеч қанақа овоз чиқмасди.. Оёғи худди пардек ерга беозор тегарди.** С. Аҳмад, Ота. Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Чол от жиловини силтади.** Отлар юриб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Эру хотин оёқ учиде юриб келиб, ўрин олдида тўхтади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ана шундай ҳаракатни бажара олиш қобилиятига эга бўлмоқ. **Бемор анча тузалиб қолди.** юриди. **Гудак саккиз ойдаёқ юриб кетди.**

2 Маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, бормоқ ёки кетмоқ (асосан транспорт воситаси ҳақида). **Машина чап томонга юрди. Трактор бедзорга қараб юрди. Катта арава қай йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради.** Мақол. — **Шаҳарда кўнкани илғари от сургар**

эди. Мана энди кўнка отсиз юрибди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Поезд бир неча соат йўл юргандан кейин ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади.** А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Умуман бир жойдан жилмоқ, силжимоқ (сузмоқ, судралмоқ, ўрмаламоқ ва ш. к.). **Ховизчада йнча биламоқ юрибди.** **Дастурхон устида чумоли юрибди.** **Қурт навадан юриб гулга етди.**

4 Кўп кезмоқ, саёҳат қилмоқ; дайдимок. **Шаҳарма-шаҳар юрмоқ.** **Эшикма-эшик юрмоқ.** — **Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан гап билмасанг, гап сўрагин билгандан.** Н. Назаров, Замон. **Андижоннинг сувин ичганман, Шарбат десам қилмайман хато.** **Пахтазорин кезганман роса, Қирларида юрганман ҳатто!** Ё. Мирза. **Мен далада ҳар кун қизлар, келинчақлар орасида юрадим.** **Ёш бўлсам ҳам, севганим бор эди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Хаёт кечирмоқ, яшамок. **Жияним уч йил бизниқида юрди.** — **Руслар орасида юриб, тил ўргандим.** **Номуссиз юрмакдан, номусли йлмак афзал.** Мақол. — **Жамоа сизнинг бу ёқларда юганинеизни ҳали билмайди [деди Шарофат Сидиқжонга].** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Мирзакаримбой:] **Ёшим етмишида. Эллик йил мол қайғусида юрдим.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Мен Тошкентда юрарман, аммо кўз ўнгимда сизнинг ҳайкалингиз!** А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор билан ҳамкор, ҳамсухбат ёки ҳамхона бўлмоқ, бирга бўлмоқ. **Ёмон билан юрдим — қолдим уятга, яхши билан юрдим — етдим мурадга.** Мақол. **Нодон билан юрма, номусинени букма.** Мақол. — **Бирга ишлайди, бирга юради, бирга туради; бир-бирига жуда муносиб.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 Бирор транспорт воситасида бирор жойга бормок. **Автобусда юрмоқ.** **Пароходда юрмоқ.** **Самолётда юрмоқ.** **Ёмон отда юргунча, яёв юрган яхшироқ.** Мақол. — **Жанг йиллари ёш машинист.. Пўлат изда юриб қилди жанг.** Ё. Мирза.

7 Шаҳмат, қарта, домино каби ўйинларда ўз навбатида ҳаракат қилмоқ, ўйнамоқ; юриш қилмоқ. **Пиёдадан юрмоқ.** **Тузни юрмоқ.**

8 Ҳаракатга келмоқ, ишлаб турмоқ, ишламоқ (механизмлар ҳақида). **Соатим яхши юрпти.** **Машина кечгача юриб турди.** — **Ҳа, айтгандай, бу орада.. «трактор чўққанинг ёғи билан юрар эмиш», «ўристондан товуш чиқипти», деган гаплар чиқиб қолди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

9 с. т. Суйган ёр билан вақт ўтказмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ. [Дилнавоз:] **Уша куни Жўранинг юрадиған қизи Бибиғул менинг атлас кўйлагим билан ҳаво ранг «дуррачамни олган эди.** С. Қароматов, Бир томчи қон. **Биласиз-ку, иш кўп.** **Ҳар хил мажлислар ҳам кўп.** **Шалар билан юрсам у мени хотинлар билан юрган, деб**



гумон қилади. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. Айт, қачондан бўён юрдинг.. Тиғи парронга учрагур. Йўлчи билан қачон топшидинг? Ойбек, Кўтлуғ қон.

10 Рози бўлмоқ, кўнмоқ, унамоқ. У бировнинг айтганига юрдиған одамас. ■ Тўғри, ихтиёр ўзлариди, лекин сизга маслаҳат соладилар, маслаҳатингизга юрадилар-да, яхши маслаҳат берсангиз юрмайдиларми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Оз бўлса ҳам, пешана терим билан топаман, суқтойлик, мўлтониликка сира юрмайман. Ойбек, Кўтлуғ қон. [Бировнинг] йўлига юрмоқ бировнинг айтганини қилмоқ, айтганини бажо келтирмоқ, чизган чизиғидан чиқмаслик. Нурматжон, «бу очик аёллардан чиққан гап, қиз шуларнинг йўлига юрган бўлса, жазосини тортсин» деб, жўрттага иккинчи оғиз очмади. А. Қаҳҳор, Қизлар.

11 Ёйилиб кетмоқ, ёйилмоқ; тарқалмоқ (хабар ҳақида). Эл оғзиди юрган миш-мишлар. ■ «Кчадан бери бир ярим минги қирилган!» деган хабар юриб кетди. А. Қодирый, Утган кунлар.

12 =(и)б қўшимчали равишдошлардан кейин кўмакчи феъл вазифасида келиб, ҳаракатнинг давомийлигини билдиради, мас. томоша қилиб юрмоқ, колхозда ишлаб юрмоқ, нима қилиб юрибсиз? Мен ўғлимни ахтариб юрибман. ■ Низомиддиновнинг қўлидаги папиросидан сизиб чиқаётган тутун уй ичида халқа-халқа бўлиб сузиб юрибди. С. Аҳмад, Хукм. Қудрат ана шу ерлик халқ орасида революцион варақалар мазмунини ўз тилида тушуштириб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Бош кўтариб юрмоқ қ. бош. Ови юрди омади келди, иши юришиб кетди. Қамбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам, дови юрмас. Мақол.

ЮРТ 1 Маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка, мамлакат; ватан. Туғилиб ўсган юртим. Ўзга юртда шоҳ бўлганча, ўз юртингда гадо бўл. Мақол. ■ Қўз олдимда Совет юртим бўлар намоен, Фахрланиб дейман: мунча улуг, бепоен! Ё. Мирза. Эшитаман: у озод Шўролар юрти, Кўндан сўнмиш у ерда Жабр, зулм ўпти. Ғайратий. Баҳор! Ўзига хос ёқимли виқор билан юрт узра одим ташлайди. Ш. Рашидов. Қудратли тўлқин.

2 Бирор мамлакат ёки ўлкада яшовчи халқ, эл; аҳоли. Юрт пуфласа, шамол туради. Мақол. ■ Ана ҳолос, қозн поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туянинг думи ерга тегибди-ку. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Колхоздаги барча юрту эл, Ёғиларди гўёки бир сел. Ҳ. Олимжон. Юрт сўрамоқ юртни, мамлакатни бошқармоқ, ҳукмдорлик қилмоқ, ҳоким бўлмоқ. Агарда менинг юрт сўрамоққа ва шу воқита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз

ўғлимга — сенга маълум бўлмасмиди? А. Қодирый, Утган кунлар.

◆ Билим юрти ўрта махсус ўқув, таълим-тарбия муассасаси; техникум. Педагогика билим юрти. ■ Муборакхон билим юртида ўқиб юрган пайтларидаёқ тарбиячи бўлиб ишлай бошлаган эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Ўқув юрти умуман ўқув муассасаси. Олий ўқув юрти.

ЮРТГАРЧИЛИК Юртда бўладиган турли таомил, муносабат, ўрф-одат ва ш. к. «Ҳар ҳолда [ароқлар] кўздан йироқ тургани яхши, юртгарчилик-да, яна бирон киши...» — ярим чин, ярим ҳазил аралаш гапирди Халлоқбердиев. Т. Тўла, Ҳожи ҳисобчининг ҳикоялари.

ЮРТДОШ Бир юртда яшовчи ёки яшаган кишиларнинг ҳар бири; ватандош. Қудратнинг ҳам жанговар хизмати юртдош ёру дўстларининг хизматидай арзишлуқ бўлса. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ЮРТЛИК 1 юрт с. мавж. от. Киши юрти сира юртлик қилмайди, Ўсган эл тинчлигин кўзлаб турибмиз. «Едгор».

2 Бирор юртда яшовчи киши, бирор юрт вакили. Сиз шу юртликмисиз? Мен бу одам билан бир юртликман. ■ У [Ефим] ўз бошидан ўтган оғир саргузаштларини сўзлаганда, ҳар хил юртлик ёш солдатлар соатларча ўтириб, чурқ этмай тинглашаркан. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЮРТФУРУШ нафр. Ўз юрти ёки ватанига хиёнат қилувчи; ватанфуруш, хонин.

ЮРТЧИЛИК айн. юртгарчилик. ЮРУМ Диал. Бирор иш, нарса, гап-сўз ва ш. к.нинг тартиби билан давом этгани, йўналиши, бориши, оқими. Ишимзинг юрми шундай бўлди. ■ Ҳожи хола, қўлидан тушган косани синдирмай ушлаб қолган кишидай, гап юрмини тўғрилаб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮРУМСАҚ айн. юримсақ. Унақа юрумсақ бўлма, тентираш қизларга ярашмайди. Ойбек, Улуғ йўл.

ЮРУКСИЗ айн. юргусиз. Бахтим куйди! Шарманда бўлдим, тенгқурларим орасида юруксиз бўлдим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЮРҒУСИЗ Бирор гуноҳи туфайли элга қўшилолмайдиган, хижолат тортадиган; уятли, шарманда. Ёмонга яқин юрсанг, қораси юқар. Қаримга яқин юриб, юртга юрғусиз қилдинг! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЮСТИЦИЯ [р<лат] Суд органлари фаолияти; суд, адлия.

ЮТ 1 Дон-ғалла унмаган йил; очарчилик, қаҳатчилик.

2 Чорва очарчидиги; ўлат. Увоқ моллар кўтарам бўлиб, ют бошланди. Асабий текширишлар кетди; ахир қирилиб кетган моллар учун кимдир жавоб бериши керак-ку. С. Анорбоев, Оқсой.

ЮТАМОҚ айн. ютоқмоқ.

ЮТДИРМОҚ айн. ютирмоқ.

ЮТИЛМОҚ 1 ютмоқ 1 фл. мажж. н. Бир қултум сув ютилса бас. Бу доридан бир кунда нечтадан ютилади?

ЮТИЛМОҚ 2 ютмоқ 2 фл. мажж. н. Лотерея билетига ютилган мотоцикл. Заёмдан ютилган пулларга енгил машина олдим. ■ — Ҳеч кимга билдирмай сменадан кейин қолазим, тунда яна бир смена ишлаймиз... Бу билан жуда кўп нарса ютилади,— деди Валерий. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЮТИНМОҚ 1 Бирор нима ютгансимон ҳаракат қилмоқ, оғиздаги сўлакни ютмоқ. Чол қулт этиб ютди. Ўйчан кўзларини найга қабаб, тикилиб қолди. Ў. Ҳошимов, Кўприк. Лоланинг кўзига ёш келди, лекин йиғламади. Қуруқ ютиниб, кўз ёшини қайтариб юборди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. Сувсиз чўлда бедов от, Бораёттир ютиниб. «Равшан».

2 Бирор нарсани егиси ёки ичкиси келмоқ, оғзидан суви келмоқ.

ЮТИШМОҚ 1 ютмоқ 1 фл. бирг. н. Беморлар иккитадан дори ютишди. ■ Ғулумжонлар у ерга этиб боргунча қинғир-қийшиқ кўчаларда.. роса тузу тупроқ ютишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮТИШМОҚ 2 ютмоқ 2 фл. бирг. н. Бу галги ўйинда фабрика қизлари ютишди.

ЮТМОҚ 1 1 Бўғиз мускуллари кўмагида оғиздаги бирор нарсани томоқдан ўтказмоқ; ичмоқ; емоқ. Дори ютмоқ. Сув ютмоқ. Дўстнинг учун заҳар ют. Мақол. Ютганим ўзимники, чайнаганим — гумон. Мақол. ■ Эр бечора худди қаттиқ ётган касалдек майни қулат-қулат ютибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Эғтибор опа.. иштаҳа билан талқон ялаб ютаётган Тўлқинжоннинг тим қора жингалак сочини сийлади. Ҳ. Ғулум, Машъал.

2 Ичига тортмоқ, сўрмоқ. Папирос тутунини ютмоқ. ■ Болалиедан савоғич чангини ютиб, қирққа кирмай ўпкаси тешилиб ўлган оталар, бўзчи тақдирини била туриб, болаларига ҳаман шу касбни мерос қолдирар эдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Ўзига тортиб олмоқ, сингдирмоқ. Қум саҳроси сел сувини бир зумда ютиб юборди.

3 қўйма Бирор нима дейишдан ўзини тиймоқ, айтмай қўймоқ. Эргаш ака аввалиг шахтдан тушди.. нимадир демоқчи эди, гапини ютди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. Тўсатдан келиб қолган Фотимани кўриб йигитлар нафратларини ютидилар. П. Турсун, Уқитувчи. | Ошкор қилмай, ичида сақламоқ, чидамоқ. Ғамни ютди, ютди аламини. Дард қуритди кўздаги намни. Э. Раҳим. ... ичига ютиб бирор ҳаракатдан ўзини тийиб, тишини-тишига қўйиб. [Биқиқатча] ғира-шира тонгда изтиробини ичига ютиб, қўрдан чиқди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 Ўз қаърига тортиб, йўқ қилмоқ. Нега худонинг қаҳри келмас экан?

Нега бу аблаҳ бойни ер ютиб юбормасикин-а? Х. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси. Қоронғи кеча, шамол юзларга қасми учириб келиб уради, .. оч қумлар кишини ютай дейди. Ж. Шарипов, Хоразм.— Ер ютсин халифданени,— деди Соҳибжамол, йўз-йўзи гудунглаб. Айний, Қуллар. | Умуман йўқ қилмоқ, махв қилмоқ, қирмоқ. Бир неча дақиқа аввал қамиш уйни тўрт тарафдан юта бошлаган олов энди уни йўз қомига буткул олган. эди. Ҳ. Гулом, Машъал. Ютаман дейди жуда ваҳимали, кўрқинчли (бўш уй ёки ховли ҳақида). Хувиллаб қолган уйда ёлғиз яшаш қийин. Ховли ютаман дейди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ЮТМОҚ II I** Бирор иш, мусобақа, спорт ва ш. к.да ғалабага эришмоқ, муваффақият қозонмоқ. Шаҳмат ўйинида ютмоқ. Кураида ютиб чиқмоқ. ■ Табрик қилман, бригаданиз бу чопиқда ҳам ютиб чиқди. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. | Заём тиражида, лотерея ёки қимор ўйинида омади келиб, пул ёки бирор нарса ни кўлга киритмоқ. Уч процентли заёмга ютмоқ. Лотерея билетига машина ютиб олди. ■ — Эрим ютган пулларни, қимматбахо буюмларни бирга олиб жўнадим,— деди Ҳожичола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фойдаланмоқ, наф кўрмоқ. Бундан мен ҳеч нарса ютмайман. ■ Душман йўз кучларининг ичкарилиқдаги позициясига мустаҳкам ўрнашиб олиши учун вақтдан ютиш пайида эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Хўп, хатни одамларга кўрсатарсиз, улар хотиним иккиталиғини биларлар.. Бундан сиз нима ютасиз? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ЮТОҚ I** Ғоят сувсираган, чанқоқ. Ютоқ дала, оч дала, Оч даладан қоч дала. Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи. У [Яйра] чўли малликка, бир вақтлардази ютоқ сангин чўлга тикилиб турарди. С. Акбарий, У ҳаётни севади.

2 Кўйма Еб тўймас, юхо; очкўз.

**ЮТОҚИ** айн. ютоқ.

**ЮТОҚМОҚ I** Ниҳоятда сувсамоқ, чанқамоқ. Очил акалар яна ярим тунда қайтишиди. Ҳаммалари кела солиб ютоқиб сув ичишиди-да, таппа ташлаб, тойдек қотишиди. А. Мухтор, Чинор. Кампир.. манний крупа билан шакар солиб сўт пиширди. Уни ишишага солиб берган эди, бола худди она кўкрагига ютоқиб ёпишгандай икки қўли билан идишни чанғаллаб, миқ-миқ шимира кетди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 Ғоят очқамоқ, очлик ҳис этмоқ. Умида.. қўлидаги зогора нонни ютоқиб қавшарди. Ш. Холмирзаев, Ун саккизга кирмаган ким бор.

**ЮТТИРМОҚ** ютмоқ I фл. орт. н. Дори юттирмоқ. ■ — [Гулнор:] Йўлчи ака, нима учун улар бизни қийнайдилар, нега у бойни, у бойваччаларни ер ютмайди! — [Йўлчи:]

Ер ютади, ютмаса агар, зўрлаб,.. юттирмайсиз. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЮТУМ I** Бир марта ютиш мумкин бўлган суюқ нарса; қултум, хўплам. Бир ютим сув. ■ Почамир билан Жума тоға бир четдан ҳовузга яқинлашдилар; лойқаланган сувдан бир-икки ютум олиб ичдилар. Фитрат, Қиёмат. У [Тўғонбек] майни катта ютумлар билан ичаверди. Ойбек, Навоий.

2 Ютиш, ичишдаги таъм; ютиш, ичим. Ютуми яхши вино.

**ЮТУҚ I** Бирор соҳада эришилган муваффақият; ғалаба. Ютуқлардан эсанкирамоқ. Катта ютуқни қўлга киритмоқ. Шаҳмат мусобақасида ўн партиядан еттичасида ютуққа эришилди. Бу сурат расом ижодининг катта ютуғидир. ■ Давронов мактабнинг ташкил этилиши, босиб ўтган йўли, ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида сўзлади. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳа-да, ишни бўйлаштирмай, узрағайлик, битта тош жилдирсак ҳам, ютуғимиз,— деди Гуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Заём, лотерея каби ўйинлар тиражида кўлга киритиладиган, ютиб олиннадиган нарса. Заёмга беш юз сўм ютуқ чиқди. Ютуқни олмоқ.

**ЮТУҚЛИ** Ютуқ чиқиши мумкин бўлган, ютуқ чиқадиган.. Ютуқли заём.

**ЮТУҚСИЗ** Ютуқ чиқмайдиган, ютуқ чиқиши мумкин бўлмаган. Ютуқсиз иш.

**ЮТҚАЗИЛМОҚ** ютқазмоқ II фл. мажх. н. Ютқазилган ўйин.

**ЮТҚАЗМОҚ I** ютмоқ I фл. орт. н. **ЮТҚАЗМОҚ II** ютмоқ II фл. орт. н. Ҳа, йиешлар ютқазиб қўймадилар яхши эди [деди кимдир]. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. У фарзинини ўрнидан кўчирмасе, ютқазиб қўяди. И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ЮТҚИЗИЛМОҚ** ютқизмоқ фл. мажх. н. Ютқизилган ўйин. Ютқизилган иш.

**ЮТҚИЗИШ I** ютқизмоқ II фл. иш оти.

**ЮТҚИЗИШ II I** ютқизмоқ II фл. иш оти.

2 айн. ютқизик. Вақтдан ютқизиш. ■ Гоҳо ютқизишида, гоҳо ютуқда Бир-бирин англари олиқ-сотиқда. Шайхзода. [Қамбар:] Ҳўжайиннинг кармони ўптирилганга ўхшайди, толеи йўқ-да. Шу бу йил ютқизишдан боши чиқмай қолди. Нукул бой беради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЮТҚИЗИК** Бирор соҳада юз берган муваффақиятсизлик, зарар кўриш; зиён. Бу шахмат партиясини мен ютқизик деб биламан.

**ЮТҚИЗИКСИЗ** Бирор соҳада зарар келтирмайдиган. Ютқизиксиз иш. Ютқизиксиз ўйин.

**ЮТҚИЗМОҚ I** ютмоқ I фл. орт. н. Бола шу оқатни ҳам хархашасиз ютқизмади.

**ЮТҚИЗМОҚ II** ютмоқ II фл. орт. н.

Ғанимга кирсане, ютқизмайсан. Чепион шахматда олти партияни ютқизиб қўйди. Футболчиларимиз бу гал ҳам ютқизмадилар. Ошиқ ўйнаб бор-йўғини ютқизиб қўйибди. Жаҳлни кечиктирган ютар, ишни кечиктирган ютқизар. Мақол. ■ Тўйилган шоналарни тўлатиб олмасак, ютқизиб қўямиз. И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ЮТҚИНМОҚ** айн. ютинмоқ. Ютқиниб олган ўйинларнинг йўқотдим салмоғин. Ғ. Гулом.

**ЮҚ** Идиш остида ёпишиб қолган қолдиқ. Сут юқи. Қаймоқ юқи. Ун юқи халта. Қатиқ тўйилса, юқи қолади, айрон тўйилса, неси қолади. Мақол. ■ Лабларига сутга тўғралган нон юқи ёпишган чинни идишлар, пилалар ҳам йиғиштириб олинмабди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ойим келганларида ҳовлидаги қон юқларини кўриб, кўрқиб кетдилар. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. Аҳмад афт-анеори кир, қўллари мой юқи. Ҳ. Назир, Сўнмас қақмоқлар.

◆ Чап ичкакка ҳам юқ бўлмайди қ. чап I. Юқ (ҳам) бўлмайди ниҳоятда оз, кам.— Халқ жонини фидо қилиб ишласа-ю, унга косага юқ бўлмайдиған овқат берса,— деди Анвар. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ЮҚА** диал. айн. юпка I.

**ЮҚМА** кам қўлл. айн. юқумли.

**ЮҚМОҚ I** Бирор нарсдан ёпишмоқ, тегмоқ. Қозонга яқин юрсане, қораси юқар, ёмонга яқин юрсане, балоси юқар. Мақол. ■ У [Турсунной] йўлни ҳам жуда танлаб юрарди, шунча йўл юриб, почасининг жияига гард юққан эмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бировга ўтмоқ (асосан касаллик ҳақида). Грипп — юқадиган касаллик. Менинг касалим сенга ҳам юқмасин.

3 Кўйма Ўз таъсирига олмоқ, таъсир қилмоқ, бошқага ўтмоқ. Эшон ҳам, отинийи ҳам икки юзлама, ёлғончи ва сассиқ гап одамлар эди, уларнинг бу одатлари болаларига ҳам юққан. П. Турсун, Уқитувчи. Эҳтимол, Элмуроднинг шодлиги унга юққанор. Шухрат, Шинелли йиллар. Гап юқмайди гап кор қилмайди, гапни қулоғига олмайди. Унча-мунча гап менга юқмайди-да. Чунки терим нўст ташлайвериб, чармга айланиб кетган. М. Иброҳимов, Эгасига тегмаган мактуб.

4 (асосан инкор ф-да) Яхши ҳазм бўлмоқ, танасига сингиб, ижобий таъсир қилмоқ. Уғирлик ош баданга юқмас. Мақол.

◆ Сув юқмас гап таъсир қилмайдиган, безбет.— Бошлиғимиз феълига сира тушириб етмадим. Ўзим хўп сув юқмас экан-да. Қишига сира эл бўлай демайди-я...— деди Остонақул. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ЮҚОРИ I** Бирор нарсанинг энг устки қисмида жойлашган; тетадаги, баланддаги, устки. Бинонинг юқори қавати. Булутнинг энг юқори қатламлари. ■ [Муллаўйст:].. Пастки жағи юқори жағи билан эртадан-кечачан

*мушталашгани-мушталашган.* Ҳамза, Майсаранинг иши. || [Қиз] белини қизил камар билан шундай сиқиб боғлади-ки, икки бўлак одамга ўхшайди. Агар жиндек эзилса юқориси тушиб кетадигандек. С. Аҳмад, Мўтти. Тантйбойвачча хотинга яна суқилиб, унинг дераза юқорисидан тушган офтобда қора олов каби ёнган сочларини силаб қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бинонинг ёки бирор иншоотнинг устки қавати; болохона. Қори ўрнидан турди, бошқа ҳеч нарса демай, бошини қуйи солганча битта-битта қадам босиб юқорига чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Бирор ерга нисбатан баланд ўрнашган жойлар; баланд томон; баландлик. Аҳмаджон.. ҳеч нарсага қарамай, полизма-полиз юқорига қараб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.— Сувни уч-тўрт қақирим юқоридан икки ёнга чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади,— деди [Амин бува]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Батальон настилкидан юқорига кўтаришар экан, юлдуз учди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Умуман ерга нисбатан баланд томон, тепа томон; тепа. *Вертолёт бир зумда юқори(га) кўтарилди.* Шар борган сари юқори(га) чиқмоқда. — Ой уфқдан салгина юқорида булут орасидан хира нур сочмоқда. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Ўртача нормадан, ўртача даражадан ошиб кетадиган; миқдор, куч, сифат, даража ва ш. к. жиҳатдан бошқалардан устун турадиган. Юқори баҳо. Юқори босим (мед., физ.) Юқори маданият. Юқори малака. Юқори сифатли моллар. Юқори сорт пахта. Юқори ҳарорат. Юқори ҳосил. — Умаралининг бригадаси бу йил колхозда юқори ҳосилли бригада ҳисобланади. И. Раҳим, Ихлос.

5 Умуман бирор кимса ёки нарсадан устун, зўр, ортиқ, афзал. [Отабек] унинг ҳусндагина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини ўйлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йирик заминдорлар, сармоядорлар учун ўз манфаати, ўз фойдасидан юқори нарса йўқ. Ойбек, Нур қидириб. Унинг учун оламда ўзига тенг одам йўқ; у билган одамлар ё ўзидан наст, ё ўзидан юқори; ўзидан наст одамни оёғи билан кўрсатар, ўзидан юқори одамнинг эса оёғига йиқилар экан. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Ўзини юқори кўймоқ ўзини бошқадан устун деб билмоқ, устун ҳисобламоқ. Илгари оқсоқоллар бошчилигидаги ҳар бир уруғ ўзини бир-биридан юқори қўяр эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Хонанинг эшикка нисбатан қарама-қарши томони; одатда ҳурматли кишилар ўтирадиган томони; тўр. — Сидиқжон пойсага бир оз силжиб, уни [Зуннунхўжани] тўрға таклиф қилди.— Қани.. юқорица. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Меҳмонни юқорига ўткардиқ. А. Умар, Мухтор. | Мажлис ҳа-

йъати ўтирадиган жой; президиум. *Қамтарингина Чўпон отани халқ ичидан топиб, юқорига чиқардилар.* Ойдин, Фарходлар.

7 с. т. Етакчи ташкилот, раҳбар орган, марказ. Юқоридан олинган буйруққа биноан иш кўрмоқ. Юқоридан берилган топшириқ. Юқоридан келган вакиллар. — Қани,.. ҳа, ундан кейин ўртоқлар,— деб яна изох берди Алимқул,— қўл қўйиш масаласида менга юқоридан ҳам, настан ҳам бир оз гап тегиб қолаётибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳали хатга олганимиз йўқ, юқорига билдирганимиз йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор кимса ёки ташкилот устидан раҳбарлик қилувчи; етакчи, раҳбар. Юқори ташкилотлар. Юқори табақа. — Тожиддин Қосим шундай разилларданки, мулкдорлар ва юқори амалдорларнинг соясига салом беради. Ойбек, Нур қидириб.

8 Ўқувчилари ўқиш муддатини битришга яқинлашиб қолган, ўқиш муддатининг сўнгги йилларидаги (синф, курс ва ш. к. ҳақида). Юқори курс студентлари. — Фақат юқори синф шоғирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималар тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар. Ойбек, Нур қидириб.

ЮҚОРИГИ Бирор жой ёки нарсанинг устки қисмига жойлашган; баланддаги, юқоридаги. *Мудобелар кўрғонининг энг юқориги поғонасида ўзларининг турли тус ва бичиқдаги кийимлари билан,.. кўрғон кунгурасига суяниб, бошларини қуёшга бериб ўтирардилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шербек чамадончасини юқориги полкага қўйди-да, ўзи настки полкага, янги ҳамроҳлари қаршисига ечинмасданок ўтира қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЮҚОРИДАГИ 1 Бошқаларга нисбатан баланд жойга ўрнашган, тепаликдаги. *Биз юқоридаги ҳовлида дам олдик.* | Бошқа нарсаларнинг устига, тепасига жойлашган; устидаги, тепадаги. Юқоридаги китобни олиб беринг. *Дўстим юқоридаги қаватда яшайди.*

— Кудрат боғични боғлади, Алим бува юқоридаги қийғоч тешикчалардан қаради. Ҳамма ёқ бемалол кўринарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бундан олдин ёки нутқнинг олдинги қисмида айтиб ўтилган. У аравакашдан юқоридаги гапларни сўрамади, аравакаш ҳам Ғулможоннинг кимлигини, қаерга кетаётганини суршитирмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Отабек] юқоридаги байтни ўқиб оғиз ичидан мингиллади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. || Уларнинг [йиғит билан қизини] гаплари авжи қизиб турган пайтда, Элмурод ўтиб қолди ва юқоридагиларни эшитди.. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 с. т. кўчма Раҳбар ташкилотларда ишлайдиган; юқори мансабдаги. || Қалтни бер, оғайни, энди бир тушунмовчилик қилиб қўйибмиз, юқорида-

гиларга айтиб юрма. С. Қароматов, Бир томчи қон.

ЮҚОРИЛАМОҚ Тепа томонга, юқорига кўтарилмоқ, юқорилашмоқ. *Самолёт тобора юқорилаб кетди. Юқорилаб учмоқ.*

ЮҚОРИЛАНМОҚ юқориламоқ фл. ўзл. н.

ЮҚОРИЛАШМОҚ 1 юқориламоқ фл. бирг. н.

2 айн. юқориламоқ, Шар юқорилаша бориб, кўздан йўқолди.

3 кўчма Авжига чиқмоқ, кучаймоқ. *Қасалнинг иссиғи юқорилашиб кетди.*

4 кўчма Юқори даражадаги лавозимни эгалламоқ; мартабаси ва обрўси орта бормоқ. *Ҳали ёш йиғитсиз.. мансаб поясида балки юқорилашурсиз.* Ойбек, Навоий.

ЮҚОРИЛИК 1 юқори с. белги оти. Баҳонинг юқорилиги. Иссиқлик даражасининг юқорилиги. Мансабнинг юқорилиги.

2 Нисбатан юқори, баланд жой; тепалик. *Белгача совуқ сув ичида, ботқоқликда пуд-пудлақ лойни жуда юқориликка отиш керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қўчанинг нариги томони яна юқорилик бўлиб, унда 159-полк анчадан буён туради.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЮҚТИРИЛМОҚ юқтирмоқ фл. мажз. н. Гард юқтирилмаган кийим. *Грипп юқтирилди.*

ЮҚТИРМОҚ юқмоқ фл. орт. н. Озода бола эзига гард юқтирмайди. *Қасаллик юқтирди.* — [Муаттар:] *Вой, вой.. Қора қуяни қаердан юқтирдинг?* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

◆ Сиртига (сув) юқтирмайдиган одам қ. сирт.

ЮҚУВЧАН айн. юқумли 1. *Грипп юқувчан қасалликдир.*

ЮҚУМЛИ Юқиш хусусиятига эга; тез юқадиган. *Юқумли қасаллик.* ЮҚУМСИЗ Бошқаларга юқмайдиган, юқумли эмас. *Юқумсиз қасаллик.*

ЮҚУМСИЗЛАНТИРМОҚ Юқишнинг олдини олмақ, юқмайдиган қилмоқ; дезинфекцияламоқ. *Қасалликни юқумсизлантирмоқ. Уруғликни юқумсизлантирмоқ.*

ЮҚУМЧИЛ кам қўлл. айн. юқумли. *Юқумчил қасаллик.* — *Қасалини билмадик. Юқумчил бўлса тагин юқмасин.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЮҚ-ЮРУН айн. юқ. Мендан ғалла олсалар ҳам, қолган юқ-юрнлари билан ўзимни очликдан сақлай оламан. Айний, Дохунда.

ЮҒРИЛМОҚ *позт.* Бирор нарса билан таъмин этилмоқ, бирор нарса қўйнида бўлмоқ; суғорилмоқ. *Олтин диёримнинг бой тупроқлари.. Февраль сувларига юғрилмоқдалар.* Шайхзода.

ЮҒУРМА Бадий асарлар йиғиндисини, мажмуа; тўплам.

ЮХО 1 Барча жониворларни ара-лаш еб, ютиб борадиган афсонавий махлуқ.

2 кўчма Еб тўймас, очофат. [Эшон]

ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган ялмоғиз, юхо, баттарин очкўзлардан экан. Н. Мақсудий, Мечкай эшон. Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юхо чиқиб қолди: пахтаги пахтада ютади, мевани мевада. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

## Я

Я Ўзбек алфавитининг ўттиз биринчи ҳарфи.

-Я юкл. (унлилардан кейин) айн. -а.— Саксонга қовунга-я! Уч сўм! — деҳқон тескари буриди. Ойбек, Кутлуғ қон. Таваба! Шу кичкинагина орзуси ҳам ушалмади-я! Р. Раҳмонов, Келин.— Раҳимжон,— деди Эҳсон чой маҳалида,— рафиқангиз кирмайди-я! Шунақа уятмангми? А. Қаххор, Са-роб. У шу сўзларни айтди-ю, юраги шув этиб кетди: онаси жеркиб ташласа-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ғирромлик қилишмаса майли-я. Ойбек, Кутлуғ қон. Хай-хай жонивор сув муздек. Бадача мойдай ёқади-я. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. Қилғиликни қилиб қўйиб тагин талмовсирайди-я бу хотин. Р. Раҳмонов, Келин.

**ЯГАНА** [ф-т] қ. х. Экин тупининг яхши ривожланиши учун ортиқчасини юлиб ташлаш, сийраклатиш. Ғўза қаторларини яғана қилмоқ.

**ЯГАНАЛАМОҚ** Экин тупларини сийраклатмоқ, яғана қилмоқ. Яганалаш вақтида ўтказилиши керак.

**ЯГНАЛАМОҚ** яганаламоқ фл. мажх. н. Маккажўхори вақтида яганаланди.

**ЯГАНАЧИ** қ. х. Яганалаш ишини бажарувчи.

**ЯГОНА** [ф-т] 1 Биргина, биттагина, якка, ёлғиз; бирдан-бир. Оиланинг ягона фарзанди. — Бу дардли ҳаётда Гулорга яғона бахт — Йўлчининг синглиси Унсин эди. Ойбек, Кутлуғ қон. «Эшак» деб аталадиган уч кишилик яғона, оёқлари тарвайган скамейкада Абдурашул билан Ойимхон ўтиришибди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бошқа ҳеч ким ёки ҳеч нарса тенг келолмайдиган, ҳаммадан афзал, мисли кўрилмаган, мисли йўқ. Бу шаҳарнинг яғона раққосаси. — У ўттиз ҳунарда яғона. Ойбек, Навоий. Энди домла синфнинг яғона ўқитувчиси эмас, унинг болаларга берадиган маънавий озғи тўртдан бира тушиб қолган.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳамма учун умумий, бирлашган, бирдан-бир. Яғона давлат нархлари. Яғона мақсадимиз коммунизм қуриши-дир.

**ЯДРО** [р] 1 спорт. Итқитиш учун ишлатиладиган думалоқ оғир металл шар. Спортчи ядрони 20 метрга иргитди.

2 махс. Бирор нарсадан ички марказий қисми; ўзаги, сағзи. Ернинг яд-

## ЯЙРАМОҚ

роси. Атом ядроси. Хужайра ядроси. Ядронинг бўлиниши. Ядро физикаси. Ядро реактори.

3 кўчма Бирор коллектив, группа ёки ташкилотнинг асосий қисми, муҳим қисми; таянч. Қомсомол активи ядроси.

**ЯЁВ** с. т. Уловсиз, пиёда. Икковга биров ботолмас, отликқа яёв етолмас. Мақол. Емон отда юргунча, яёв юрган яхшироқ. Мақол. — Марднинг иши элда шундай бўларми? Отидан айрилиб яёв қоларми? «Алпомиш». Зийдилла-нинг тахминича Қомил дарёдан ўтган, Қумқушлоқ гузаригача яёв келган. Х. Ғулом, Машғал.

**ЯЁВЛАМОҚ** фольк. Пиёда юрмоқ. Яёвлаб чиққингми ўсган элингдан? «Муродхон».

**ЯЁВЛАШМОҚ** яёвламоқ фл. бирг. н.

**ЯЗНА** диал. Жезна. Ўқтамбой язнасининг кетмонини ҳам узоқ ишлатолмай, ўзи олиб келган расмий кетмонни ишлатишга мажбур бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЯЙДОВ** айн. **яйдоқ** 1. Олисларда яйдов отлар кишнайд.

**ЯЙДОҚ** 1 Эгар-жабдуқсиз, яланғоч (от ҳақида). Яйдоқ отни етаклаб олган баланд бўйли хушмўйлов йиғит анҳор томонга ўтиб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Ярим соатдан кейин ҳалиги йиғит, яйдоқ от устида ўқдай учиб ўтди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Йигитлар отларни яйдоқ қилиб, уй анжомларини тепаликларга ташимқодалар. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

2 кўчма Ўсимлик ўсмайдиган, ўт-ўлансиз, дов-дарахтсиз; яп-яланғоч. Яйдоқ чўла. — Яйдоқ Бўҳ ҳам маданийдир, Биз уни юганладик. Ғ. Ғулом. Тўрткўла десам, Нукус қалъам соғинтирар, Чимбойдаги яйдоқ далам соғинтирар. С. Акбарий.

3 кўчма Ҳеч нарсаи йўқ; қашшоқ. Буни ҳайданг, сира қўймаг, Иши савдо-ю харид, Олти кунда ҳаммани яйдоғ-у, яқсон қўлади. Ҳамза.

**ЯЙЛОВ** Чорва ўтлайдиган кенг майдон; ўтлоқ, ўтлов. Моллар билан ёз яйловда бўламиз, Қиш совуқда ферма билан келамиз. Фозил шоир. Мисрбойнинг яйловда минглаб зотли йилқиси, от заводи, шахарма-шахар юриб от сотувчи аспжаллоб одамлари бор. С. Абдулла, Ўғрини қароқчи урибди.

**ЯЙЛОҚ** айн. яйлов.

**ЯЙРАБ-ЯШНАМОҚ** айн. яйрамоқ. Худди ўз уйимиздек яйраб-яшнадик, шарофатларингиз соҳисда кўп кишилар билан танишидик, иззат-икромларингиз таърифидан ожизмиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Энди мен Совет ҳукумати очган мактабда яйраб-яшнаб ўқимқодаман. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЯЙРАМОҚ** 1 Ўзини эркин ҳис қилмоқ; ўйнаб-кулиб дам олмақ; ёзилмоқ, маза қилмоқ. Дунёга келгандан кейин юр, кул, яйра, кўр, машаат қил. Шуҳ-

## ЯКАНДОЗ

рат, Шинелли йиллар. Боёқши хотинлар ҳам бир яйраб келсин-да. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Бирор нарсадан ғоят мамнун бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ; севинмоқ, қувонмоқ. Ғўдакдай яйраб кетди. — Розик мўйловини бураб, тилла тишини йилтиратиб, яйраб илжайиб турарди. С. Аҳмад, Хукм.

**ЯЙРАТМОҚ** 1 яйрамоқ фл. орт. н. Бу бахт Паризод дилини яйратар, чехрасини гул-гул яинатарди. Х. Ахророва, Орифнинг давлати. Саидгани.. овқатни зўр иштаҳа билан еди. Ис-сиқ овқат танасини яйратди. Н. Юсуфий, Хатдаги доғ.

2 Ҳайвон ва паррандаларни кенг майдонга ёйиб юбориб ўтлатмоқ, сайр қилдирмоқ. Қўйларни яйратмоқ.

3 Шамолатиш, совутиш, қуритиш каби мақсадларда тўп турган нарсани ёймоқ, ёзиб юбормоқ. Пахта уюмини яйратмоқ. Беда ғарамини яйратмоқ. Лағандаги паловни яйратиш емоқ.

**ЯЙРАШМОҚ** яйрамоқ фл. бирг. н. Болалар боқчада ўйнаб-кулиб яйрашади. — Кейин улар [Ҳаёт билан Ғуломжон] алақандар анҳор бўйида, қиеқлар орасида ўтиришиб яйрашармиш. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир оз яйрашамизми деб келган эдим, шу ерда ҳам тинчлик бермадингиз! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ЯК** [ф-т] кам қўлл. Бир, якка, яғона. Олма анорингга балли, Як донна холингга балли. Ҳамза, Майсаранинг иши. Як жилов қилмоқ жиловнинг бир томонини тортиб отни ўнг ёки сўлга бош қайририб юришга мажбур қилмоқ. Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи; Икки қўллаб як жилов қил бурсанг-чи. «Алпомиш».

◆ **Як қалам қилмоқ** бир хил ёзидиган, бир хил ўқийдиган ва бир хил сўзлашадиган қилмоқ; бирлаштирмоқ. [Хусайн:].. «Сиз дунё лаззатларидан воз кечиб нима орттирдингиз». [Навоий:] «Икки буюк дарё орасидаги Халқимни як қалам қилдим. Тилмизми таҳқир ва ҳақорат ботқоғидан ишёрят осмонига кўтардим». Уйғун ва Й. Султон, Навоий.

**ЯКАН** 1 Тола-тола бўлиб ўсадиган тўқай ўсимлиги (толеси пишиқ бўлганлигидан, одатда, боғдорчиликда ток боғлаш учун ишлатилади). Якан ўрмоқ. Токни якан билан боғламоқ. — Қўлнинг саёз жойларида одам бўйи қамишлар, яканлар ўсиб.. ётарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 жарг. Пул. Эсинг борида этагингни ёп деган машхур нақлга амал қилмасак бўлмас. Бир ёқдан яканнинг қўри қочапти. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Гапни айланттирманг. Ёғлиқ жой. Якан катта бўлади!.. «Муштум», 1960, № 2.

**ЯКАНДОЗ** [ф-т] Узун кўрпача. Тошхон тахмондан якандоз олиб тўшади. Р. Раҳмонов, Келин.— Мингбоши мени юқорига — икки қаваат якандозга таклиф қилди,— деди Шо-

карим. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар бо-  
силди.

**ЯҚАНЧИ** Эски-туски нарсалар би-  
лан савдо қилувчи; ёймачи. *Шаҳар-  
нинг Ожар кўчасидаги узун тор бозор  
ҳам ўзига хос, қизиқ.. Мисгар-қулол-  
чилар ҳам, яқанчилар ҳам,.. маддоҳ-  
лар ҳам ҳаммаси шунда. Х. Қодирий,  
Қоҳира лавҳалари.*

**ЯҚБОРА** [ф-т] рвш, кт. Ҳамма ба-  
равар, бир вақтнинг ўзида, бир йўла,  
ёппасига. *Яқбора ҳамма ўрнидан тур-  
ди.* — *Яқбора «Агар эртага уруш бўл-  
са» деган ашулани айтмоққа бошла-  
дик. М. Муҳамедов, Машқ.*

**ЯҚДИЛ** [ф-т] Фикри, мақсади бир,  
бир хил; иноқ, аҳил, ҳамнафас.— *Ку-  
рилишни тез бошлаб юбориш учун  
ҳамма яктан, яқдил.— деди Уктам.  
Ойбек, О. в. шабадалар. Йўқ алоҳида  
колсомол, биз ҳаммамиз бирмиз, биз  
яқдилмиз, биз коллективмиз, ҳа! —  
деди Йўлдошга Фармонов. А. Мухтор,  
Чинор.*

**ЯҚДИЛЛИК** яқдил с. белги оти.  
Яқдиллик билан. — *Мамлакатимиз  
учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик,  
яқдиллик сув ва ҳаводай зарур. Ой-  
бек, Нур қидириб.*

**ЯҚДОНА** [ф-т] 1 Донаси йирик,  
боши сийрак узум турн.

2 Бир донагина пайдо бўлган; якка,  
ягона. *У [Патила] ҳеч кўрмагандай яна  
бир қарра Ҳафизанинг лаби остидаги  
яқдона холига, кўзларига раиқ билан  
қараб қўйди. Мирмуҳсин, Умид.*

3 Тенги йўқ, энг яхши. *Аслим сўр-  
санг бир яқдона гавҳарман, Ёвмит  
дейди, униб-ўсанг элимни. «Гўрўгли».*

**ЯККА** [ф-т] 1 Бир, битта, ёлғиз,  
ягона. *Якка туп ўрик. Якка ўзим  
келман. Якка бортли костюм. —  
Мунисхон онанинг якка қизи эди.  
С. Зуннунова, Мехнат ва турмуш.  
Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка  
от туёқларининг тарақ-туруқи, та-  
қаларнинг тошларга урилишидан чиқ-  
қан ялт-юлт чармоқ дам ўтмай  
узоқлашди. С. Анорбоев, Оқсой. Би-  
рон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг  
якка тортсан. А. Қахҳор, Олтин  
юлдуз. Зайнаб қолди бечора якка..  
На бир сирдош, на-да бир йўлдош.  
Х. Олимжон. Ана, анави тоғ этагида  
якка турган арчани туман босди.  
Шухрат, Шинелли йиллар. **Якка кифт**  
бўлиб бир кифтини олдин чиқариб,  
бир кифти билан. Йўлчи якка кифт  
бўлиб халқ орасини ёриб олдинга  
ўтди. Ойбек, Қутлуг қон. **Яккаю**  
ягона 1) бирдан-бир, ёлғиз, ягона;  
2) кўча энг яхши, тенги йўқ, мисли  
кўрилмаган. Бу ҳофиз бутун олам-  
га танилган яккаю ягона овоз. Ойбек,  
Қутлуг қон.*

2 Бошқаларга қўшилмасдан, бир-  
лашмасдан ишлайдиган ёки алоҳида,  
айрим яшайдиган. *Якка ҳунарманд.  
Якка деҳқон. — Ганнинг боши шуки,  
ўша сен пул қистаб боранда, у Ҳай-  
дар ҳожидан ажраб, ўзи якка дўкон  
очиш ҳаракатида юрган эди. А. Қах-*

ҳор, Сароб. **Якка хўжалик** колхоз ёки  
совхозга кирмаган, коллектив хўжа-  
ликка қўшилмаган хонадон, оила. |  
Бошқаларга аралашмаган ҳолда. *Як-  
ка суҳбат. Якка тартибда* бошқаларни  
аралаштирмасдан, биттадан, битта-  
-битта. *Партияга якка тартибда* аъзо  
қабул қилинади. *Илғорларга якка тар-  
тибда мукофот бериш.*

◆ **Якка оёқ йўл айн. ёлғиз оёқ йўл**  
қ. ёлғиз.

**ЯККАБОШ** Ҳеч кими йўқ, ким-  
сасиз, ёлғиз, сўққабош. *Яккабош йи-  
гит. — Ота-онасидан айрилиб, якка-  
бош саргардон бўлиб юганидан буён,  
бирон одам у билан одам қатори гап-  
лашмаган эди. Р. Файзий, Ҳазрати  
инсон.*

**ЯККАБОШЧИЛИК** Бошқаларга  
қўшилмаслик, ўзи ёлғиз, якка тар-  
тибда ҳаракат қилиш. *Тортишувларда  
яккабошчиликка қарағанда коллегия-  
чилик афзал, деб ишбот қилишга ҳа-  
ракат қилмоқдалар. В. И. Ленин,  
Халқ хўжалиги советларининг III  
Бутунроссия съездида.*

**ЯККА-ДУККА** ўнда-бунда, сий-  
рак. *Якка-дукка сочлари силлиқ та-  
ралган. — Сўл томонда.. якка-дукка  
дарахтлардан нари азим дарё оқариб  
кўринади. А. Қахҳор, Қўшчинор. У  
ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, якка-  
-дукка итлар хуригани эшитиларди.  
М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Ҳажга  
келган-кетганларни талар экан. Шу-  
нинг учун ҳожилар якка-дукка юриш-  
дан қўрқиб, қарвон бўлиб юришар  
экан,— деди Ҳожжи хола. М. Исмои-  
лий, Фарғона т. о. Кўнглинг бўлса  
урушмоққа, Сочилмагин якка-дукка.  
«Орзигулу».*

**ЯККА-ЁЛҒИЗ** 1 Биттагина, фақат  
битта, яккаю ягона, ягона. *Баталь-  
онда якка-ёлғиз бўлган қизни ўқитиш  
яхши эмаслигини, имкони борича ёти-  
ғи билан гапириб чиқди. Шухрат,  
Шинелли йиллар.*

2 Бошқалардан ажралган ҳолда;  
ёлғиз. *Якка-ёлғиз қорайган уйлар...  
П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ЯККАЛАМОҚ** Бир ўзини бошқа-  
лардан ажратиб қўймоқ, ёлғиз қол-  
дирмоқ; ажратиб ташламоқ, ёлғиз-  
ламоқ. | Кўпчилик бир томон бўлиб,  
бир кишига қарши ҳаракат қилмоқ.  
*Маҳалла активлари ифвогарларни як-  
калаб қўйдилар.*

**ЯККАЛАНМОҚ** яккаламоқ фл.  
ўзл. ва мажх. н. Қишлоқ хотин-  
-қизларининг баъзилари, Файзихон да-  
стурхончилар сўзига кириб, *Норбу-  
видан юз ўйрилдилар, баъзан [Норбу-  
вининг] яккаланиб қолган вақтлари  
ҳам бўлди. Х. Шамс, Душман.*

**ЯККАЛАТМОҚ** яккаламоқ фл.  
орт. н. *Завод партия ташкилоти уни  
яккалатмади, корхонанинг кекса иш-  
чиси, фронтда қаҳрамонларча ҳалок  
бўлган коммунист Саттор Султонов-  
нинг ўғли тарбиясини ўз оталиғига  
олди. Р. Файзий, Қадрдон хатлар.*

**ЯККАЛИК** якка с. белги оти.

*Уватларни увалатиб, Яккалик чекин  
бузиб, Большевикнинг коллектив Учин-  
чи қўши чиқди. Ф. Гулом.*

**ЯККАМА-ЯККА** Бир киши билан  
бир киши, бир кишига қарши бир  
киши; биттага-битта. *Яккама-якка суҳ-  
бат. — [Рустам] яккама-якка жанг-  
ларда сак уруғининг душманларидан  
кўп баҳодирларни ер тишлаган эди.  
М. Осим, Дўждларимиз қиссаси.*

**ЯККАМ-ДУККАМ** айн. **якка-дукка**.  
*Узоқдаги тупроқ йўлдан ўтаётган як-  
кам-дуккам.. аравалар кўринади.  
Ш. Тошматов, Эрк қуши. Жонизок  
отанинг яккам-дуккам бир тутам-  
гина соқоли титраб кетди. С. Анор-  
боев, Оқсой.*

**ЯККАМОХОВ** Эл-юртга қўшила ол-  
майдиган, жамоатдан ажралиб қолган.  
*Яккамохов бўлиб қолган одам. Якка-  
мохов қилиб қўймоқ* эл-юртга қўш-  
май, жамоатдан ажратиб, ёлғизлаб  
қўймоқ. *Бу одати учун [Қоплонбекни]  
болалар «яккамохов» қилиб қўйса, ойи-  
сининг қўтисидан тусуи-ҳовуи мевалар  
ўғирлаб чиқиб, улашарди-да, «ярашиб»  
оларди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ЯККАХОН** [ф-т] Ашулани якка  
ижро этувчи ҳофиз; солист. *Яккахон  
ашулачилар конкурси. — Ўтиб санъат-  
да Юсуф Андижоний, Навоийнинг се-  
викли яккахони. Ҳабибий. Шоирлар  
хорида яккахон бўлиб, Баралла ян-  
райди сенинг овозинг. Уйғун.*

**ЯККАЧЎП** [ф-т] Ариқ ёки анҳор  
устидан ўтиш учун қўйилган узун хо-  
да. *Йигит ўеирилиб қараган эди, якка-  
чўп устидан қошига энлик қилиб ўсма  
қўйиб олган, кўкрак бурма қўйлакли  
қизни кўрди. С. Аҳмад, Муҳаббат.*

**ЯККАШ** [ф-т] рвш, с. т. 1 Ну-  
қул, ҳамнша; ҳамма вақт, до-  
имий. *Бир кўнгли бўшигина аёл эса  
Абдулладан кўзини узоқмай, яккаш  
йиғларди. Ф. Усмонов, Қора ният.  
Майли дейман ва қилмайман гам,  
Хаёлимни гулга ўрайман. Ҳар баҳор-  
га чиққанда яккаш: «Бахтим борми?»  
дея сўрайман. Х. Олимжон.*

2 кам қўлл. айн. **якка** 1. *Дарё бир  
севи жоми.. Ойдай ҳуснда яккаш.  
С. Акбарий.*

**ЯККА-ЯГОНА** [ф-т] айн. **яккаю**  
ягона қ. якка 1.

**ЯККА-ЯККА** [ф-т] Бошқаларга  
қўшмасдан, битта-битта, битталаб,  
алоҳида-алоҳида. *Босмачи бандалари-  
ни якка-якка тор-мор этиши плани  
ишлаб чиқилган, ҳамма жойда кураш  
янада шиддатли тус олди. М. Ўрин-  
хўжаев, Унутилмас кунлар.*

**ЯККА-ЯРИМ** Оз миқдорда, битта-  
-яримта. *Қатта ҳовида якка-ярим  
навкарлар от қашлаб, жул-жубба  
ямаб ивирсиб юрар. А. Ҳакимов,  
Илон нздан. || Дам ўтмай.. якка-  
-ярим чакиллаб турган ёлғир худди  
челаклаб қўйгандек шаррос қуя кетди.  
Ш. Гуломов, Қалб ўндайди.*

**ЯККАҚҮЛ** Бошқалар кучидан фой-  
даланмайдиган, ёллаб ишлатмайдиган,  
ўзи ва оиласи ишлайдиган. *Яккақул*

косиб. — Жамoadан.. баъзи яккакўл ўртаҳол деҳқонлар бу ишга [ёппа колхозлашишга] аввал совуққонлик билан қараб, у қадар қаршилик кўрсатмаган эдилар. Х. Шамс, Душман. | Елғиз ўзи ишлайдиган, ёрдамчиси йўқ.

**ЯКОРЬ** [р] *тех.* Электр машинанинг айланма ҳаракат қиладиган қисми. Генератор якори.

**ЯКРҮЯ** [ф-т] *кам қўлл.* Бир томонига пардоз берилган, бир томонлама. Якрўя газлама. Якрўя рўмол.

**ЯКСАР** [ф-т] *кт.* Бир йўла, биратўла, бирдан.

**ЯКСОН** [ер билан] *яксон бўлмақ* тор-мор бўлмақ, йўқ бўлмақ, тугатилмақ. Чангал солган бало яксон бўлди. Ойбек, О. в. шабадалар. Иккинчи, учинчи бомба хаталарга тушди. Бир неча уй ер билан яксон бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Ер билан] *яксон қилмақ* (ёки *этмақ*, *айламақ*) тор-мор қилмақ, тугатмақ, йўқ қилмақ. [Навоий:] Давлатимизни яксон қилмоқчи бўлган хоинга, салтанат даргоҳида ўрин йўқ! Уйғун ва И. Султон, Навоий. Болам, сенинг отанг ҳам, Шу ботирлар сафида, Яксон этиб, душманни Қелар у ҳам яқинда. З. Дийр. Душман дилин қон айлаган, Ер билан яксон айлаган, Тарафсиз полков Октябрь. Эргаш шоир.

**ЯКСОНЛАМОҚ** *1 кам қўлл. айн.* яксон қилмоқ қ. яксон.

**2** Пайхон қилмоқ.

**ЯКТАК** [ф-т] Узун, олди очиқ эркаклар кўйлаги. Бўз ятак қичитар, яхши хотин тинчитар. Мақол. — Ятак ва чопонининг очиқ ёқасидан кўришиб турган кенг кўкраги совуқ таъсирдан қизарган эди. Х. Шамс, Душман. Чанг ва тердан ҳосил бўлган кирни ятак этави билан юздан сибириб ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ятак тўн диал.** айн. **ятак.** Оёғига кўн этик, эғизга чий алакдан **ятак тўн**, қалами иштон берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯКТАКЧАН** Фақат ятак кийган, ятак билан. Қуз кириб, ҳаво салқинланганига қарамай, Тешабой ташқарисида ятакчан, сарпойчан юрган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯКТАН** [ф-т] *рви* Фикри, мақсади бир хил, бир тан-бир жон; ҳамжихат, ахил. [Тантубойвачча:] Шарт шу: бундан кейин ҳар ҳусудда мен билан яктан бўлиб ишласангиз. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯКТО** [ф-т] *кт.* Ҳеч ким, ҳеч нарса тенглашолмайдиган, тенги йўқ, мисли кўрилмаган; ягона. *Еш Ниёзни севибди бир қиз Қизларнинг энг яктоси ёлғиз.* Х. Пўлат. [Ўзбек ойим Зайнабни] чиройлиликда танҳо, ақллиликда якто топиб,.. ўлғига «хотин бу бўлибдир!» деган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЯКУН** [а] Хулоса, натижа. *Уқув йилининг якулари. Мун за: аларнинг якуни. Ишининг якуни.* — Ҳар бир туп ғўзани ўстирдиганги силаб, Этмоқ ниятида порлоқ якунга. Э. Раҳим.

**ЯКУН ЯСАМОҚ** хулоса чиқармоқ, якунламоқ. *Умматали уйқудан ногоҳ уйғотилган кишидек гангиб турар экан, майор аниқроқ қилиб якун ясади:— Теровингиз тугади. Бугундан бошлаб озодсиз!* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЯКУНЛАМОҚ** Хулоса, натижа чиқармоқ, хулосаламоқ. *Социалистик мусобақа натижаларини якунламоқ.* — *Мажлисни Алижон Азизбекович якунлади. У сўзга чиққанларнинг масалари жиддий муносабатда бўлганликларини айтди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Бобо ўзи ўйлаб ўтирган гапни якунлади шеклли, Азимжон бунга унча тушунмади.* А. Мухтор, Чинор. | *Муайян натижа ёки хулоса билан адо этмоқ, тамомламоқ. Уқув йилини юқори кўрсаткичлар билан якунламоқ.* — *Бу квартални муваффақиятли якунлаш — ҳар бир коллективнинг шарафли бурчидир.* «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 78.

**ЯКУНЛАНМОҚ** *якунламоқ фл. мазҳ. н.* Мунозара нима билан якунланди?

**ЯКУНЛОВЧИ** *1* якунламоқ *фл. ш. оти.* Якунловчи киши.

**2** Ишнинг якунини, умумий хулосасини белгилаб берадиган, кўрсатадиган. *Якунловчи нутқ. Якунловчи учрашу.*

**ЯКУТ** қ. якутлар. *Якут халқи. Якут тили.* || *Якут аёл.*

**ЯКУТЛАР** СССРнинг шарқи-шимолда яшайдиган туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; Якутия АССРнинг туб аҳолиси.

**ЯҚШАНБА** [ф-т] Ҳафтанинг сўнгги еттинчи куни; умумий дам олиш куни.

**ЯҚШАНБАЛИК** Бир яқшанба куни коллектив бўлиб, ихтирий равишда бажариладиган ижтимоий иш. *Яқшанбалик қатнашчилари барақат тўпланшиди.*

**ЯЛАКАТ** *ялакат мағиз* баъзан бир данак ичиде ҳосил бўладиган иккита мағиз, эғизак мағиз, қўш мағиз. *Анорхон билан Собир юмшоқ ва илиқ қанорлар орасига ялакат мағиздай ўрнашиб олиб, сузбатлашар эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЯЛАМ** Бармоқ билан бир марта ялашга етадиган миқдордаги; озгина. *Бир ялам асал. Икки ялам қаймоқ.*

**ЯЛАМА:** *ялама туз* йирик, майдаланмаган туз (чорва ҳайвонларига ялатиш учун ишлатиллади).

**ЯЛАМОҚ** *1* Ёйиш ёки мазасини татиш мақсадида бирор нарсага тилини тегизмоқ; тил воситасида оғизга олмақ. *Асал яламоқ. Бол ушлаган бармоғини ялайди.* Мақол. — *Табиб қосадан бармоғига бир оз илаштириб ялади ва дарров туфлаб ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лаган бўшагач, Йўлчи қўлини тортиди. Қамбар лаганга бармоқларини ишқаб ялади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қамолхонов.. қошиқдаги юқни ялаб узоқ та-*

*мини олди.* — *Ҳақиқатан қатиққа ўхшайди.* А. Қаҳҳор, Йқки ёрти — бир бутун. | *Умуман бирор нарсага тилини тегизмоқ; тили билан артмоқ, тозаламоқ; хўламоқ. Мушук боласини ялапти. Сизир ҳам бузоқчасини ялайди.* — *Ниҳоят, гапира-гапира қақраган лабларини тили билан ялаб, Лутфинисо жим бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** *кўйма* Тегиб, урилиб таъсир қилмоқ (шамол, совуқ, иссиқ ва ш. к. ҳақида). *Ҳаво булут. Изғирин бет ялайди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Юэни, кўзни, баданни иссиқ шамол ялайди.* Й. Муқимов, Шарофат. *Бог-боғ қуруқ ўтинларнинг гулхани осмонга олтин зарлар пурқаб, қоронғини ялайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** *Оқизмоқ, ювмоқ* (сув ҳақида). *Дарё қирғоқни яламоқда.* — *Пойриғининг ёқасидаги карталарни сел-сал қиялаб ялаб кетибди, холос.* И. Мирзаев, Ўйбошилар.

◆ *Ёғ (ёки мой) тушса (ёки томса) ялагундай қ. ёғ.* Илоннинг ёғини ялаган қ. ёғ. [Бировнинг] оёғини (ёки товонини) яламоқ бирор шахсга лаганбардорлик қилмоқ. — *Нишонбек оёқларини ялаганингни кўрмадилар, деб ўйлайсанми? — деди Мўътабар Хусанга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қисаси. *Хурмачанинг тагини ялаганимидинг? қ. хурмача.*

**ЯЛАМСИҚ** *Очкўз, еб тўймас, очофат. Яламсиқ бола.*

**ЯЛАМУР** *диал.* Яламсиқ.

**ЯЛАНҒ** *1* Дов-дарахтсиз, иморатсиз; очиқ, бўш. *Яланг ер. Яланг майдон. Яланг қир.* — *Ҳамманлар ҳам яланг далада туғилганмисизлар?* Шухрат, Шинелли йиллар. *Саҳнини янтоқ босган яланг ҳовлида иккита ёғоч қаравот, ўртада кўмма стол ясалган, унинг атрофида қўлбола табуреткалар қўйилган эди.* С. Абдулла, Қувғинда. *Аҳмаджон синчиклаб қараса, эҳе... шунча одам кеча кечаси қаерда экан? Ялангларга, йўлкаларга одам сичишмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**2** *Кийимсиз, яланғоч. Эғизда бир еғи тирсақдан, бир бари тамоман йўқ илма-тешик бўз ятак...* бош-оёғи яланг.. *чолни кўриб Ғулможоннинг юраги эзилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эғизда отиғизни қолган жулдур ятак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Ойнисанинг юраги уриб, совуққа яланг чиққандай эти уешиб кетди: Уруш!* Х. Ғуллом, Тошкентликлар. *Бош яланг ёки яланг бош 1)* бошига бирор кийим киймаган, бош кийимсиз. *Мажлис ёпилиши билан ҳамма катта-кичик баравар бош яланг ҳолда ўридан турди.* П. Турсун, Ўқитувчи; **2)** эск. паранжи, чачвон тутмайдиган, бегона эркаклардан қочмайдиган, юзини беркитмайдиган; очиқ. *Мен сизга айтсам, мулла Норқўзи, гап паранжида эмас. Нико-*



ий замонида исловотдаги хотинлар юш яланг эмас эди-ку! А. Қаххор, Майиз емаган хотин. Оёқ яланг ёки яланг оёқ 1) оёғига ҳеч нарса киймаган холда, оёқ кийимисиз, яланг оёқ. Бирорта камбағалга тесса, унинг ёнида оёқ яланг қўш хайдарди бу жувонлар! Х. Фулом, Машъал; 2) кўчма Ҳайди, дарбадар; камбағал, қашшоқ. У ҳаммомга бориш ўрнига аллақайси бир оёқ ялангеникига борибди ва у билан Фарғона томонга қочибди. Х. Фулом, Машъал.

3 Қиндан чиқарилган; яланғоч. Қирқ азамат бўл ҳа-бўл деб, Қилич яланг келаётир. «Хушкелди».

◆ Яланг қават 1) бир толадан иборат, бир қават. Яланг қават ип; 2) фақат аврадан иборат, астарсиз. Яланг қават тўғи тасидан икки қўлини орқасидан ўтказиб, қадам санаб бораётган Маҳкам тақачи кўринди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЯЛАНГ** II рви Ҳамиша, ҳамма вақт, доим, нуқул. Яланг кулади. Яланг бир хил овқат пиширади. Сиз билан яланг шу ерда учрашиб қоламиз. — Иккинчи томони яланг қайинзор. М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

**ЯЛАНГЛАМОҚ** айн. яланғочламоқ 2. Райимбек додхоҳ қилич яланглаб, сипоҳилар олдида оломонга қараб югурди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЯЛАНГЛИК** Дов-дарахтсиз кенг, иморат қурилмаган; очиқ, бўш ер; текислик. Кенг ва совуқ ялангликда пахта ташийдиган ўн ғилдираклар юк машиналари қаторлашиб турарди. П. Қодиров, Уч илди. Шомга яқин колхозчилар правление олдидаги ялангликка тўлланшиди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Серёжа тонг ёришаётган пайтда ўрмон ичидаги ялангликни кесиб ўтди. А. Раҳмат, Соқов бола.

**ЯЛАНГТЎШ** I Кўкраги кенг, яғриндор; мард, жасур. Ялангтўш йиғит. — Ялангтўш, ижодкор мағрур ўзбекман — Меҳнатим тўғайли кўрсатдим жамол! Шухрат. Гулчеҳранинг ашуласи ялангтўш ва серяғрин одамлар баданини жимирлатар эди. С. Азиев, Оппоқ тонг қўшиғи. Уша йиллари Сисоевга ялангтўш Икромжонни қўшиб қўйиб «тракторни ўргатинг» деди. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

2 кўчма Дов-дарахтсиз, иморатсиз; яланғоч, яланг.

**ЯЛАНМОҚ** яламоқ фл. ўзл. н. Тўлқин гоҳ-гоҳ қирғоққа сапчийди, ости яланиб, илдизи очилиб қолган дарахтларни қўйориб, юлиб-юлқиб кетади. Х. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота. Ит нонни ютди-ю, ердаги увоқларини ялаиб, миннатдор бўлиб болага тикилди, тилини чиқариб яланиб тураверди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

◆ Ичи яланди ичи сидирилди. [Кампир] бай-бай-ей, чолим бечора, ичи яланиб оч келди-я... Ойбек, Улуғ йўл.

**ЯЛАНСИМОҚ** Ёғли, кучли овқатга эҳтиёж сезмоқ.

**ЯЛАНҒОЧ** I Қийим киймаган, уст-

-бошсиз, кийимсиз. Яланғоч гўдак. — Фосих афанди музга яланғоч ўтириб олгандай, сесканиб тушиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унинг оёқ яланг, ярим яланғоч шўх болалари... шовқин-сурон билан ўйнашар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Баргсиз, барги йўқ; барги тўкилган. Сув ёқалаб ўсган яланғоч дарахтларнинг бутоқ-новдаларида совуқ шамол шивиллайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қуёш овча теракларнинг яланғоч новдаларини чўғдек қизартириб, адир орқасига чўкди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 кўчма Дов-дарахтсиз, иморатсиз, гиёҳсиз; яп-яланг. Яланғоч ер янги чўмилтирилган чақалоқдай буғланади. П. Қодиров, Уч илди.

4 кўчма Устига бирор нарса тўшалмаган; палоссиз. Нури олдинроқ юриб, саҳни яланғоч, эни бир бўйра қадар айвонга яқинлашган, тупроққа қоришиб ётган катта пахмоқ кучук занжирини шилдирашиб ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 кўчма Қийнига қийими йўқ; уст-боши хароб; камбағал, қашшоқ. Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўқасиз, бу деб сўқасиз, бас-да, шунча хўрлаганингиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯЛАНҒОЧЛАМОҚ** I Уст-бошини ечиб олмоқ, ечинтирмоқ. Болани яланғочламоқ.

2 Этар-жабдугини, абзалини ечиб олмоқ. Отни яланғочламоқ. — Аваз қараса, кўса Чўлтоқни яланғочлаб, офтобга ўзини солиб ётибди. «Авазхон».

3 Шох-шаббасини, шох-бутоқларини кесиб ташламоқ, очмоқ. Йўлчи катта тўнкани яланғочлаб, илдиэларини, йўғон томирларини болта билан уриб ердан айрар экан, ўзидан ўн беш-ийигирма қадам нарида турган бир қизга кўзи тушиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Қиндан чиқармоқ, уриш, чопиш ёки отишга шайламоқ (қинга солиб тақиб юриладиган қуроллар ҳақида). Қилич(ни) яланғочламоқ. — Илгари очиқчасиза пичоқ яланғочлаб юрганлар энди пичоғини енг ичига олган. С. Аҳмад, Ҳукм. Майна маузери яланғочлаб йўлда тўхтатган эски извош ёнида от бошини тортиб турарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Шипшийдан қилмоқ, бўшатмоқ. Уйни яланғочламоқ.

**ЯЛАНҒОЧЛАНМОҚ** яланғочламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Алижон бирпасда соқолини қириб ташлади, ..шундай қаҳратонда яланғочланиб ювинишини айтмайсизми, нима зарур экан? С. Анорбоев, Дўстлар. Ер бора-бора кучга бўйсунди. Йўлчининг зарбаси остида тўнкалар яланғочлана, ўзининг қўпол, баҳайбат гавдасини кўрсата бошлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯЛАНҒОЧЛАТМОҚ** яланғочламоқ фл. орт. н.

**ЯЛАНҒОЧЛИК** I яланғоч с. белги

оти. Биз, санъаткорлар, яланғоч хотиннинг суратига қарар эканмиз хотиннинг яланғочлигидан эмас, унинг тасвир қилинишидан завқ оламиз. А. Қаххор, Сароб.

2 Қашшоқлик, очлик, муҳтожлик. Нега булар [пулни] ўз билгиларича бермайдилар? Қишлоқда ўз жиянларининг оч, яланғочлигини билса керак эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯЛАТМА** Жуда юпқа қилиб солинган. Тўнга ялатма қилиб пахта солинди.

**ЯЛАТМОҚ** яламоқ фл. орт. н. Болага қаймоқ ялатмоқ. Сигирга туз ялатмоқ.

**ЯЛАШМОҚ** яламоқ фл. бирг. н. Болалар қаймоқ ялаиди. — Йигитми, қизми хурмачанинг тагини ялашган экан, тўй асосан ёлғирда ўтди. Мирмуҳсин, Умид.

**ЯЛИНМОҚ** Бирор нарсага қўндириш учун илтимос қилмоқ; ўтиниб сўрамоқ, илтижо қилмоқ, ёлвормоқ. Яна қаттиқроқ йиғлаб юборди Шоқосим ва йиғи аралаш Ерматега ялинди. — Энди хўжайиндан бир оз пул қарз келтириб беринг. Ойбек, Қутлуғ қон. [Фофир:] Хой бўйлар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЯЛИНТИРМОҚ** ялинмоқ фл. орт. н. Мендан яна ашула айтишни илтимос қилишди. Мен ялинтириб ўтирмадим, энди ўзимнинг ҳам ашула айтгим келарди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ЯЛИНЧОҚ** Бирор нарса сўраб илтимос қиладиган, ялинаверадиган. Ялинчоқ бола. — Нега у ялинчоқ мушук боладек ҳа деб суйкала беради? Мирмуҳсин, Умид. | Ялинчиши, ёлвориниши ифодалайдиган. Ялинчоқ овоз билан. — У [Шаҳзода] дугонасининг қўлини қисиб, ёлғиз қолдириб кетаётганидан кецирим сўрагандек, ялинчоқ назар билан унга бир тикилди-да, одамлар орасига шўнғиди. С. Зуннувова, Гўдак хиди.

**ЯЛЛА** Енғил ва шўх қўшиқ, ашула. Ўйнашиб, тўй-тўйлашиб, айтиб қўшиқлар, яллалар, Қилғали аҳду никоҳни келди меҳмонлар букун. Ҳабибий. Ичкари ҳовлида эса бой хотинларининг дутор чалиб, ялла айтаётганлари эшитилар эди. С. Аҳмад, Оқпадар. Араваларда, отларда, пийда кетиб бораётган ёшу яланг, қарию қартанлар суюнчлари ичарига сугмай ялла айтишади... кулишади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ялла қилмоқ 1) енғил ва шўх қўшиқ айтмоқ. Урмонжон Курбон ота билан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган даврадан тонди. А. Қаххор, Қўшчинор; 2) кўчма вақтини ўйин-кулги билан ўтказмоқ, беғам ва бепарво юрмоқ.

**ЯЛЛА-БЕПАРВО** Ҳеч нарса ташвишини қилмайдиган; беғам. Ялла-бепарво одам.

**ЯЛЛАЧИ** Тўй-томошаларда кўшиқ айтиб, ўйинга тушиб юришни касб қилиб олган шахс (асосан аёллар ҳақида). Тошкентнинг донг чиқарган яллагчилари шўх, жонли кўшиқ — «Олмача аноринга балли, боғу бўстонинга баллини куйлаб, гулдан теварагида рақс атадилар. Ойбек, Қутлуг қон. | Умуман ялла айтувчи.

**ЯЛЛИГ** 1 Аланга, ёлқин. Лампаннинг кучсизгина яллиги шабадада лип-лип этиб айвон олдиниёна ёришиб турди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Сал ўтмай душман мудофаасининг уфқида устма-уст яллиг кўтарилди, кейин гумбуллаш эшитилди. Шухрат, Шинели йиллар.

2 Жазирама иссиқ. Қувраб-қақшаб ётган бепоён далалар асрлар давомида бир томи сувга зор бўлиб, кўёсининг шафқатсиз яллиги остида мудрар, халқимиз ана шу далаларга сув чиқариб, жон киргизишни орзу қиларди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Тандирдан чиқаятган яллиг унинг ҳам бетларини қизартириб юборган. С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди.

3 Кўйма Тафт, харорат. Кўчқорнинг ҳазин кўйи, юрагининг яллиги теккан сўзлари [Шербек] қулоғига аниқ эшитилаётгандай туюлди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 Қизариш, шишиш. Томоқ яллиги тузала бошлади. Упка яллиги тез авж олади.

**ЯЛЛИГЛАМОҚ** айн. яллигланмоқ. Кўмир яллиглади. Печка яллиглади. Чипқон яллиглаб турибди.

**ЯЛЛИГЛАНИШ** 1 яллигланмоқ фл. иш оти.

2 Қизиб, қизариб шишиш. Ичак яллигланшиш. Упка яллигланшиш. — Доктор назоратида, кунлар ўтган сари жароҳатдаги яллигланшиш қайтиб, оёғим ердан енгил кўчадиган бўлиб қолди, — деди Ҳамро. Н. Сафаров, Тирилган одам.

**ЯЛЛИГЛАНМОҚ** яллигланмоқ фл. ўзл. н. 1 Ёнмоқ, алангаланмоқ; аланга чиқармоқ, аланга тарқатмоқ. Аллоннинг мойли кўзи қоронғида Сулувни қидираб, ўчоқда олов яллигланганда уни топиб, билагига, тўшига тармашар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Дарвоза олдида турганлардан бири.. мисдай яллигланиб турган кўёш айланасига ишора қилди. С. Кароматов, Бир томчи қон. | Чўғдай қизариб турмоқ, ёнаётгандай кўринмоқ. Лекин машғала ёлқинидан қизарган парда ҳамма томондан яллигланиб кўриниб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қизиб, қизариб шишмоқ. Яраси (ёки жароҳати) яллигланди 1) яраси, жароҳати газак олди; 2) кўйма дард-алами зўрайди. Бугун унинг [Адолатнинг] бутун эски жароҳатлари яллигланганидан кун, у бунга тайёр бўлиб, жинчироққа тикилиб ўтирарди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ЯЛЛИГЛАНТИРМОҚ** яллигланмоқ

фл. орт. н. Вақтида овқатланмаслик меъда шиллиқ қаватини яллиглантиради.

**ЯЛЛИГЛАТМОҚ** яллигланмоқ фл. орт. н. Бу варақа Дивоархўжанинг юрагида устини кул босиб ётган.. умид учқунини яллиглатиб юборди. Шухрат, Олтин зангламас.

**ЯЛЛО** 1 айн. ялла. Девсифат киши ялосини тўхтатди-ю, жамоатга қараб ҳайқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Савлатинга, ғайратинга қойилман! — деган яллони айтиб кўяди, гўё бу билан ўзининг муваффақиятига жар солади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ўйин-кулги, хурсандчилик. Биласиз-ку, ишимни. Ҳамма вақт ялло, ўзим хон, кўланкам майдон. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Ялло қилиб юрмоқ вақтини ўйин-кулги, хурсандчилик билан ўтказмоқ. [Холмирза] Валнининг анчадан бери хотинини ташлаб қўйиб, касалманд онасига сув ҳам томизмай, боши оққан томонда ялло қилиб юрганини эшитганди. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ЯЛМОН** диал. Қаламуш.

**ЯЛМОҒИЗ** 1 миф. Дуч келган ҳамма нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлук; жодугар. Пастқамлардан, ўнгириллардан ёв тил чўзса ялмоғиздай, Бири учун — бири жондан кечиликка доимо шай. Ғ. Ғуллом. Бу мудўши, машъум базмда ҳалиги ялмоғиз фолбиннинг ҳаста овоз билан вайсаши кўшилди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Кўйма Ёвуз куч, даҳшат; қора ниятли душман. Долларга топинган ялмоғизларнинг Қонли хуружига чек қўйиш тезроқ. Уйғун. | Бу ялмоғиз қашшоқликнинг заҳарли томилари ўз ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯЛМОҒ** кт. Байроқ, туғ. Зафар яловини олиб келишингизга ишончим комил, дўстим Абдурахмон. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ЯЛОВБАРДОР** кт. 1 Байроқ кўтариб борувчи; байроқдор. [Моҳидил] ҳақиқий яловбардор сингари ўзи сафнинг қоқ марказида туриб икки қанотни баб-баравар жанга бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Кўйма Бирор соҳада ёки ишда бошқаларни бошлаб борувчи илғор киши. Усмон Носир ўз сафдошлари.. билан адабиётимизнинг олдинги сафларида яловбардор бўлди. Т. Тўла, Фавқуллода талант соҳибни.

**ЯЛОВДОР** айн. яловбардор.

**ЯЛОВКАШ** эск. айн. яловбардор. **ЯЛОҚ** Ит, мушук каби хайвонларнинг овқат ейиши учун белгиланган идиш. Ит ялоқ. — Ҳалиги тўртта ит сурувдан нарироқда тилларини чапиллатиб, ялоқдан овқат чимоқда. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ Қора ялоқ қ. қораялоқ.

**ЯЛОҚИ** Кишиларнинг сарқити билан кун кечирадиган; ювиндихўр, те-

кинхўр. Сен ўша маккор ялоқи эшон кетидан юриб нима каромат кўрдинг? Х. Назир, Сув гадоси. Таъвишим сенга тушмай кўя қолсин. Тессам ҳам сендаки ялоқига тегмайман. Ойбек, Қутлуг қон. Бу муттаҳам ялоқилардан унинг ўлса ўлиги ортиқ! Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЯЛПАЙШМОҚ** ялпаймоқ фл. бирг. н. Мармар ҳовуз атрофига солинган гилам, шойи кўрпачалар устида шаҳар аёнлари, беклар, саркардалар ялпайишиб ўтирар.. уларга турли-туман овқат ташиб турардилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **ЯЛПАЙМОҚ** Ёйилмоқ, япалоқланмоқ. Болга зарби билан темир ялпайди.

◆ Ялпайиб ўтирмоқ салб. Бамайлихотир талтайиб ўтирмоқ. — Нима қилиб ялпайиб ўтирибсиз, — дейди буювим бобомга тикилиб. Ойбек, Болалик.

**ЯЛПАЙТИРМОҚ** ялпаймоқ фл. орт. н. Темирни босқон билан уриб ялпайтирмоқ.

**ЯЛПАНГЛАМОҚ** диал. Ялинмоқ, ялинниб-ёлвормоқ; лаганбардорлик қилмоқ. Очиқ ўзининг унга муштор эканини билдирмайди, ўзини ерга урмайди, ялпангламайди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ЯЛПАНГЛАНМОҚ** ялпангламоқ фл. ўзл. н. Ташаббусни қўлдан бермаслик керак, қизнинг олдида ялпангланиб, қадрини йўқотган ёмон. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ЯЛПИ** 1 Ҳаммага тегишли, умумий. Ялли мажлис. Ялли сафарбарлик. Ялли қийқуриқ. || Чигит ялли униб чиқди. — Баъзан жамоа шўроси ҳам ялли мажлисларини шу ерда ўтказарди. Х. Шамс, Душман. Аъзоси бўлди бу ҳам, Ялли ҳаётининг, Ишга солди, ростлади, Синган қанотни. Ғайратий. Халқни ялли кўтариш керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳаммасини кўшиб ҳисоблаганда, бутунича; ҳамма, умумий. Ялли даромад. Ялли маҳсулот.

**ЯЛПИЗ** Медицина, атторлик ва озик-овқат саноатида ишлатиладиган, сербарг хушбўй кўп йиллик ўсимлик. Ёввойи ялпиз. — Рисолат отин.. боддан бир этак кўкат — кайини, жамбил, райхон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, кўк шўрвага уринди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ЯЛПИЗЛАМОҚ** с. т. Ўзини оқлашга, айбини ювишга уринмоқ. — Хайр, қариллик қурсин, қизим, хафа бўлма, майли қаҳрамонча иш тут, — деб ялпизлай бошлади Зокир ота Зевбога. А. Мухиддин, Зебонинг севгиси. Унинг кўзлари катта очилиб, бутун умидлари пучга чиққан одамдай бўлишиб ўтириб қолди, уни бу аҳволда кўриб, шошиб қолдим, кейин ялпизлашга тушдим. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ЯЛПИСИГА** айн. ёппасига. — Лекин, ука, Туркистон ўлкаси қоронғида, ҳаммамиз яллисига саводсизмиз, буни чорасини излаш керак, — деди

Умарали чойдан хўплаб. Ойбек, Улуғ йўл.

**ЯЛПОҚ** Ясси, ёйиқ, япалоқ. Ялоқ бурун. Ялоқ идиши. Темирни уриб ялоқ қилмоқ. — Ялоқ юзида кўм-кўк ясама холи бор.. бир хотин сўри тагида кир юваётган экан. С. Аноров, Меҳр.

**ЯЛПОҚЛАМОҚ** Уриб ёки босиб ясси, ёйиқ ҳолга келтирмоқ, япалоқламоқ. **Металл** парчани ялоқламоқ, **Лой** соққани ялоқламоқ.

**ЯЛПОҚЛАНМОҚ** ялоқламоқ *фл. ўзл. н.*

**ЯЛТ:** ялт этиб 1) қутилмаганда бирдан нур сочиб, ярқираб; ялтираб, товланиб. *Узоқдан бир нарса ялт этиб кетди. Чироқ ялт этиб ёнди. Чақмоқ ялт этиб сўнди;* 2) кўчма қутилмаганда, бирдан. *Маҳбуба ялт этиб юзига қаради. О. Ёқубов, Тилла узук. Оплоқ, узунчоқ юзда хиёл туртиб чиққан бет суюқлари ялт этиб кўринди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

**ЯЛТИЛЛАМОҚ** с. т. Ялтирамоқ. *Ялтиллаган пол.*

**ЯЛТИЛЛАТМОҚ** ялтилламоқ *фл. орт. н.*

**ЯЛТИРАМОҚ** Нур сочмоқ, ярқирамоқ. *Шамширдек ялтираган чақин чўлининг олислариёача ёртади. С. Ахмад, Уфқ. Кенга яйловда тўшалмиб ётган қор уюмлари.. ой шуғласида ялтираб туради. О. Кўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. Қум зарралари қуёш нурида товланиб ялтирарди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ЯЛТИРАТИЛМОҚ** ялтиратмоқ *фл. мажх. н.* Дераза ойналари ювиб ялтиратилди. *Ялтиратилган этик.*

**ЯЛТИРАТМОҚ** ялтирамоқ *фл. орт. н.* *Чарақлаб офтоб чиқиб, шоликорлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратади. С. Ахмад, Уфқ.*

**ЯЛТИРБОШ** 1 с. т. Сочи тўкилиб кетган, сийқабош, тепакал. *Ҳамро Раҳимов тўладан келган, ўрта бўй, ялтирбош, буғдой ранг, қирқ ёшлардан ошган киши эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

2 *бот.* Асосан қумли чўлларда ўсадиган, барглари қуёшда ялтираб кўринадиган ўтсимон ўсимлик. *Офтоб тиғида эрта тонгдан шомгача силкиниб, ярқираб товланган ялтирбош ялтироқ тусини ўзгартириб, қизғимтир нурга кўйилди. Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони.*

**ЯЛТИРОҚ** 1 Нур сочиб турадиган, ялтирайдиган; ярқироқ. *Ялтироқ иши. Ялтироқ танга. Ялтироқ нарса олтин бўлавермайди. Мақол. — Икки қўлоғига офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирак таққан бир қиз кирди. С. Ахмад, Лаъли Бадахшон. Элмуроднинг назарида, бу ялтироқ кўзларда бутун бир алам ёниб турганга ўхшади. П. Турсун, Ўқитувчи. || Пичоқнинг қора сопи ялтилар эди, тиғи эса қотиб қолган қон билан ўз*

*ялтироғини йўқотган. Ҳ. Шамс, Душман.*

2 *кўчма* Бўёқли, бежама, юзаки. *У [Машҳадий] султонларни, бекларни пучак, лекин кўз қамаштириш ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир. Ойбек, Навоий. Чунки сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади. А. Қаҳҳор, Сароб. Усти ялтироқ — ичи қалтироқ қ. уст.*

**ЯЛТОҚ** *диал.* Лаганбардор, хушомадгўй; тилёғламачи. *Ялтоқ одам.*

**ЯЛТОҚЛАНМОҚ** *диал.* Лаганбардор бўлмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ. *Раиснинг эрталаб менга ялтоқланиб, «акаларча» меҳрибонлик қилишларидан мақсади эса офриқнинг олдини олиш, босиб келаётган тошқинни тўсиб қолиш экан. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Карима опа.. гуноҳкор кишидай, ялтоқлана бошлади. М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

**ЯЛТ-ЮЛТ:** ялт-юлт қилмоқ *айн. ялт-ялт қилмоқ қ. ялт-ялт. Пиёлалар ўн икки шамлик қумуш қандил ёруғида ялт-юлт қилар эди. М. Осим, Элчилар.*

**ЯЛТ-ЯЛТ** ялт с. тақр.: *ялт-ялт қилмоқ (ёки этмоқ) ёниб, нурланиб кўринмоқ, ярқираб кўринмоқ; ярқирамоқ, ялтирамоқ. Ишқалаб-ишқалаб бундай қарасам, бургутнинг патлари ялт-ялт қилиб турибди. Ҳ. Умарбеков, Чарос.*

**ЯЛЧИМОҚ** *диал.* Ёлчимоқ. *Чучварани хом санам, мендан ялчиб алимент ололмайсан! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

**ЯЛЧИТМОҚ** ялчимоқ *фл. орт. н.* *Ялчитмадинг ёзим билан қишимни, Кўзимдан оқиздинг қонли ёшимни. Э. Раҳим.*

**ЯЛ-ЯЛ** *рвш* Нур сочиб; товланиб; жилоланиб. *Атлас кўйлақлар машғалдек ёнарди ял-ял. Шукрулло, Икки ҳикоя. Бўстон устида ял-ял учиб ўтаётган сунъий ер йўлдошига қарар, юраги дук-дук урарди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. — Эртага ҳаво очиқ келар экан, — деб қўйди Ҳайитбой ота, ял-ял товланаётган шафаққа тикилиб. С. Муҳиддинов, Невара шаҳар.*

**ЯЛҚАМСИҚ** Бирор ишга астойдил ёпишмайдиган, ялқовлик билан ҳаракат қиладиган; эринчоқ. *Ялқамсиқ одам.*

**ЯЛҚОВ** Ишлашни ёқтирмайдиган, иш ёқмас; дангаса. *Ялқов бола. — Ялқов ва фирром, ё қўли эри бўлса, силлиқлик билан ҳайдайман. Ойбек, Қутлуг қон. Бўлма ялқов, оч кўзингни, орқада қолмоқ уят. Ҳабибий. || Улар [болалар] ялқов, йиғлоқи, серуйқу эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. || Иш ёқмасга, ялқовга Мен ҳам энди душманман. З. Дибр. || Ишни эринчоқлик билан бажарадиган, эринчоқ. Вақт ғанимат, ҳарна йўл босгани. Бек шу хавотир билан ялқов ахтага қамчи босди. Ҳ. Фулом, Машғал. Аҳён-аҳёнда ялқов ғурракнинг эрин-*

*чоқлик билан ғуруллаши қўлоққа чалиниб қолади. С. Ахмад, Қадрдон далалар. || Етти буқа кавшанмоқда ялқовгина. Ҳ. Фулом.*

**ЯЛҚОВЛАМОҚ** Бирор ишни бажаргиси келмай турмоқ, дангасалик қилмоқ, эринмоқ. *Маҳдум мактаб ишида ялқовланиб, Анварга суяниб қолди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Кучук секин бир «ҳов» билан жим бўлди, ялқовланиб яна ётди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЯЛҚОВЛАШМОҚ** *айн.* ялқовланмоқ.

**ЯЛҚОВЛИК** ялқов с. бели оти. *Ялқовликнинг охири хўрлик. Мақол. — Илм ўқиб ўссанг, иззат кўрасан, Ҳақиқатнинг йўлини яхши биласан. Бош тортиб ўқийдиган қилсанг ялқовлик, Сўнгера, болам, кўп пушаймон қиласан. Фозил шоир.*

**ЯЛҒАРС** *диал.* Йирик, беўхшов, қўпол. *Ялғарс гавда.*

**ЯЛҲАҚ** Соддадил, хушгабиат, хушфелъ; ёқимли. *Ялҳақ аёл. Ялҳақ бола. — Норқўзи бува.. Шавкатжон билан Низомжоннинг ниҳоятда билимдон, ялҳақ, шалдир-шулдир, лекин қизлардай майин йиғитлар эканини.. сўзлаб берди. А. Муқимов, Ғалати одамлар. Устанинг.. очиқ, ялҳақ муомаласидан, тўғриси, эриб кетдим. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

**ЯЛҲАҚЛИК** ялҳақ с. белги оти. *[Қумуш] юзини четга бурди: — Ялҳақликни қўйинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЯМАЛМОҚ** ямамоқ *фл. мажх. н.* *Эғида тирсаги қирилган костюм, Ёқа кир, тугмасиз, юз ямалган шим. Уйғун.*

**ЯМАМОҚ** Бирор нарсанинг йиртилган, узилган, тешилган жойини бутунламоқ; уламоқ, ямоқ солмоқ. *Ямоқ ямамоқ. Ботинкани ямамоқ. Ямасанг, янги бўлар, яненинг тенги бўлар. Мақол. — Йўлчибой ўлеурни яхши дейишарди, ўзим ҳам яхши кўлардим. Кирини ювдим, ямоғини ямадим. Ойбек, Қутлуг қон. Ямаб-ясаб тикиб-чатиб. Опалари уларни ювинтиради, эски-туски кийимларини ямаб-ясаб «бутун» қилади.*

**ЯМАТИЛМОҚ** яматмоқ *фл. мажх. н.* *Ботинка яматилди. Яматилган гилам.*

**ЯМАТМОҚ** ямамоқ *фл. орт. н.* **ЯМАТИРМОҚ** яматмоқ *фл. орт. н.* *Маҳсини яматтирмоқ.*

**ЯМАШМОҚ** 1 ямамоқ *фл. бирг. н.* *Балиқчилар кун бўйи елкан ва тўрларни ямашди.*

2 *кўчма* Кўшилмоқ, бирлашмоқ. *Бир-бирига ямашган бинолар. — Унга [Мадаминбекка] кичик-кичик тўдалар келиб қўшилган. Ҳамон атрофдан босмачилар ямашиб туради. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.*

**ЯМАШТИРМОҚ** ямашмоқ *фл. орт. н.*

**ЯМЛАМОҚ** 1 Чайнамай оғиз ичида айлантirmoқ, милки билан эзиб ютmoқ. *Овқатни яллаб ютmoқ. — Икки*

юз таноб! — дея Полвонга қаради нон ямлаётган Иброҳим ота. Ж. Шарипов, Хоразм. У нонни икки ямлаб ютди-да, яна умидвор бўлиб Мастонга қаради. А. Қаххор, Мастон. | Емоқ, ошамоқ. Тўлқин югуриб келиб, дастурхон чеккасига ўтириб олди-да, бир бурда кумчани ямлай бошлади. Х. Фулом, Машъал. | Тили билан ҳимариб оғизга киритмоқ. Абдуқодир қаттиқ ғазабланди, бир неча минут тутоқиб, дағал қизғин мўйловининг учини ямлаб, бошини тебратди. Ойбек, Нур қидриб. Оғзимда сув олиб келаётгандим, кўйлагимни ямлаётган бузоққа кўзим тушиб қолди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 кўчма Ютмоқ, йўқ қилиб юбормоқ. Олов ёниб ямлайди ўтин, Дека тинмай биқирлар, тошар. З. Обидов. Орқасида қора кул қолдириб ўт-аланга юмалайди, янтоқларни ямлайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ Гапни (ёки сўзни) ямламоқ ноаниқ талаффуз этмоқ, чайналмоқ.— Гапни ямланган,— деди Устам ҳосилотга тикилиб. Ойбек, О. в. шабадалар. Икки ямлаб бир ютмоқ чайнамай ютиб юбормоқ, йўқ қилиб юбормоқ. Лайлаквой: — Ҳақ саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим. «Эртаклар». Ямламай ютадиган салб. ўриллатадиган, қойил қиладиган.— Вой Тўламат тушмагур-эй, ёлгонни ямламай ютасан-а! — ичаги узилгудек қотарди кекса ўроқчи. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЯМЛАНМОҚ** 1 ямламоқ фл. ўзл. ва масж. н. Нон ямланди.

2 Ямлангансимон ҳаракат қилмоқ, тамшанмоқ.— Чекканим ганимат,— деди Али тажанг ямлашиб, сўлагини оқишиб. Ойбек, Қуёш қораймас. Мингбоши настки лабиниң ўнг қиррасини тишлаб, пича ямланиб турди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ЯМОҚ** 1 Бирор нарсанинг йиртилган, тешилган, узилган жойини ямаш, бутунлаш учун мўлжалланган бир парча мата, чарм ва ш. к. Ямоқ солмоқ. | Ямоқ солинган, ямалган жой. У [Майна] отасининг чанг босган бўйнига, чопонининг елкасидаги ямоқларига назар солди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Ямалиши лозим бўлган буюмлар. У энди вақтининг кўпини ҳар ким келтирган ямоқларни ямаш билан ўтказга бошлади. Ойбек, Қутлуг қон. Ямоқ ишлари сийраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ямоқ солинган, ямаб тикилган, ямалган. Ямоқ кўра. Ямоқ тўн. Ямоқ этик. — Айвон устунига суяниб турган ола-була ямоқ чопони бир бола келиб унинг олдига тушди: — Қани, юринг, муллака! П. Турсун, Ўқитувчи. Гизаси ямоқ шимни торлик қилиб қолгунча кийиб юрди. У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

3 Тузалган яранинг изи, чандиқ. Ўзининг ямоғи. — Тешибойнинг таъ-

наси бояғи кифти ямоқ қотма чолнинг жаҳлини чиқарди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ЯМОҚЧИ** Оёқ кийимларини тузатиш, ямаш иши билан шуғулланувчи касиб. Уста Абдурахмон: «Ҳа, Розик ямоқчининг қизлари ўқиб шаҳар сўрармиди!» деб уришиб берди. А. Қаххор, Бошсиз одам.

**ЯМОҚЧИЛИК** ямоқчи с. касб оти. — У шаҳардами? Ямоқчиликни билар эканми?— деди Нури. Ойбек, Қутлуг қон. Болтабой қотиб-қотиб қулди-да.. ямоқчилик қилаётган Маллавоё акани кўрсатди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ЯМОҚ-ЯСҚОҚ** Ямалган-чатирилган; эски, чурук. Ямоқ-ясқоқ кўрпалар. Ямоқ-ясқоқ ятқаклар. Ямоқ-ясқоқ қилмоқ эски, йиртиқ нарсаларни тикниш, ямаш билан шуғулланмоқ.— Онам яқин ва узоқ маҳалладаги ўзига тўғ қишилар уйига бориб кир ювиб, ямоқ-ясқоқ қилиб, бизларни боқшига киришди,— деди Пўлат. Ғайратий, Унутилмас кунлар.

**ЯМ-ЯШИЛ** яшил с. инт. Ям-яшил ўрмон. Ям-яшил дарахтлар. Ям-яшил боғлар. — Янги уйғонган, ям-яшил барғлар билан ясанган дарахтлар қуёш нурида чўмиллади. Ойбек, Қутлуг қон. Гулламоқда Мирзачўллар, Ям-яшилди янги йўллар. П. Мўмин.

**ЯНА** 1 Такроран, қайтадан, янгидан, тагин, боз. Емғир яна ёга бошлади. — Лектор.. хатга қараб жаҳл билан яна бир марта «Ўртоқлар» деди-ю, лекцияни бошлаб юборди. А. Қаххор, Қуюшқон. Уста Фарфи уни яна бир қат кўздан кечириб олган, чўккалашини бузиб чордана қуриб олди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Олиб келган ҳужжатида яна хат. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. Бойвачча чиллими бир марта енгил тортиш билан кифояланади, лекин бир зум ўтмасдан, яна талаб қилади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бундан ташқари, бунинг устига. Яна бир сават нон бор. — Чойни ичиб яна олиб чиқаман. Ойбек, Қутлуг қон. Қолхозга кириш тўғрисида мажлисгача йиғирма тўғқиз камбағалдан ариза тушган эди, мажлис олдидан яна ўн саккиз кишидан ариза тушди. А. Қаххор, Қўшчинор. Масаланинг яна бир нозик томони бор. Бўғоз совлиқни узоқ ётқизиб бўйлайди: бола ташлайди. «С. Ўзбекистони», 1970, 16 январь. | Бунинг устига, қўшимча равишда, тагин. Қовундан яна бир оз енг. Улар яна ярим соат ишлашди.

— Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради. А. Қаххор, Адабиёт муаллими. [Мирзакаримбой] бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлақвой қўшиб, йўлчига ташлади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 (одатда «бир», «бирор» сўзи билан бирга) Илгаригилардан бошқа; янги, бошқа. Яна бир масала чиқиб қолди. Яна бирор гап йўқми? — Саид Жалолхон кетди. Йўлда унинг бошига яна

бир фикр келди. А. Қаххор, Башорат.— Қариан чоғида хўрозқанд ямай домла ҳам ўлсин! — деди яна бири А. Қаххор, Тўйда аза.

4 куч. юкл. Фикрни кучайтириш, таъкидлаш учун қўлланади. Яна бу киши мерган эмиш! — Сиз ҳам эски муаллимга ўхшаб кетиб қолманг яна! П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ЯНАГИ** Бундан кейин келадиган, келаси; навбатдаги. Янаги ҳафта. Янаги сафар. — Янаги йил баҳорда икки йиллик отпускани бир қилиб .. борамиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЯНАДА** 1 Бундан буён, бундан кейин ҳам. Қишлоқ хўжалигининг янада ривожланиши. — Тожибой оқсоқол қўл кўтарганларни қоғоқ тағида норози милтиллаган кўзи билан текшириб турди-да, ўжарликни янада давом этдиришга бардош қилолмади: ҳамма унинг қўли баландга чўзилганини кўрди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 куч. юкл. Белги-сифатни кучайтириш учун хизмат қилади. Бу тўғрида юритилган фикр, ўқилган мақолалар унинг [Эямуроднинг] кўзини янада каттароқ очиб, мулоҳазасини чуқурлаштирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Иккинчи кун бу хабар янада бошқача тўн кийди: «Мусулмонқул Нормухаммад қушбегига беш минг сипоҳни қўшиб, Тошкент устига жўнатган!» А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЯНВАР** [р<лат] Янгича йил хисобида биринчи ой номи.

**ЯНГА** 1 Ука ва сингилга нисбатан аканинг хотини; келиной.— Уйдан янгам чиқиб, болаларни ётқизгани олиб чиқиб кетди,— дейди Эшқўзи. О. Хусанов, Икки Кумри. Зайнабнинг онаси — Моҳира олим, онаси — Хушрўйбиби ва янааси Ҳанифанисолар ҳам келишдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 этн. Никоҳнинг иккинчи куни кечаси келин билан куёв хузурида қолувчи икки хотиндан бири. Янгалар келинни ичкари киритиб, тўй эгалари рўпарасига турғизишди. Сўзамол янга маросимни бошлади. Р. Раҳмонов, Келин. Янгалар Қумушни қизларга топшириб кетдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЯНГИ** 1 Илгари бўлмаган, яқиндагина пайдо бўлган; яқинда бунёд этилган ёки қурилган. Янги ариқ. Янги девор. Янги завод. Янги йўл. Янги корхона. Янги уй. Янги шаҳар. — Тинчлик-омонлик бўлса, бир кун келиб, янги даңғиллама иморатлар солиб ҳам, ҳозиредай, «ишчилик гап экан-ку» деймиз. А. Қаххор, Қўшчинор. | Бизнинг театр ҳали янги-да. Уста ййновчилар йўқ. Ойбек, Қутлуг қон. | Яқинда ясалган (тикилган, тўқилган ва ш. к.) ҳали тугилмаган; ишлатилмаган; кам тугилган. Янги автомашина. Янги гилам. Янги дўппи. Янги кийим. Янги пиёла. Янги пичоқ. Янги этик. — Мен янги бели бурма сариқ чий духоба костюмим би-

лан шаваримнинг чангини қоққанча бирпас гарангиб, аланглаб турдим. Ҳ. Назир, Чўл хавоси. | Яқинда ёзилган, яқинда нашр этилган. *Янги асар. Янги газета. Янги китоб.* | Яқиндагина тайёрланган, айнамаган, бузилмаган. *Янги гўшт. Янги меза. Янги овқат. Янги қаймоқ.* | Илгаригилардан бошқа, илгаригиларга ўхшамайдиган, бутунлай бошқа; алоҳида. *Янги касб. Янги одат. Янги маъно. Янги сўз. Янги таълимот. Янги тема. Янги тушунча. Янги фикр. Янги ҳаёт.* — Ленин кишиларнинг қалбидан ўчмайди. Чунки, Ленин янги дунё куриб берди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Қозоғистон — бу китобхон эл, Бу янги онг, бу савод, бу хат. Ҳ. Олимжон. [Абдушукур:] Эски мактабларда болаларимизнинг умри зойи бўлади. Янги мактаблар очиб.. таълим берайлик. Ойбек, Қутлуғ қон. || Қарангиз янги дунёда яшаш ва меҳнат, Коллектив қўлида далалар чексиз. Ғайратий. | Яқинда белгиланган, яқинда амалга ошириладиган ёки оширилган, яқинда жорий этиладиган ёки этилган. Янги тадбир-чоралар. Янги низо. Янги тартиб. Янги қоидалар. Янги қўйун. | Яқинда кашф этилган, яқиндагина топилган. Янги ихтиро. Янги химиявий модда. Янги дори. Янги куй. Думбали қўйларнинг янги зоти. Ғўзанинг янги навлари. || Ямасанг, янги бўлар, янгиининг тенги бўлар. Мақол. — Бу яқинда эскирса яниси борми? А. Қаҳхор, Қўшчинор.*

2 Илгариги кишининг ўрнига келган, илгаригидан бошқа. *Янги директор. Янги ўқитувчи. Янги жанчилар. Янги ишчилар. — Йўқ, колхознинг иши бу йил яхши бўлди. Сатторқул янги раис бўлса ҳам ишмасдан кўклагини тизгинлаб олди. А. Қаҳхор, Қўшчинор. Мени сизларнинг муносабатларингиз жуда қизиқтириб қолди. Янги одамман. П. Турсун, Ўқитувчи. Эндиларда сизга мендек вафосиз ва ҳийлагар бўлмаган янги эр топилгай эди. А. Қодирий, Утган кунлар. || Мирзо қайси бир даргоҳга жойланишини, қай йўсинда юриш-туриш режаларини ўйларди. Ахир у бу ерда янги, ёлғиз-танҳо. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

3 с. т. Биринчи марта ишлаётган, яқинда ишлаб бошлаган; тажрибасиз, хом, ўргамчик. *Янги шофёр. Янги монтёр. Янги тикувчи.*

4 Яқинда турмуш қурган кишилар ҳақида; ёш. *Янги келин. — Ниҳоят отаси ўз муддасига етди, қизини янги кўёвга топшириб тинчланди. А. Қодирий, Утган кунлар. Янги меҳмон* 1) бу ерга яқинда келган, яқинда танилган. *Энди мен ўзимнинг янги меҳмоним бўлган Отабекни сийламоқчи бўлман. А. Қодирий, Утган кунлар; 2) с. т. эндигина туғилган бола; чақалоқ.*

5 Шу йили ёки шу мавсумда етишадиган, шу йилги, бу йилги. *Шўрвага*

янги картошка солинди. Янги бугдойнинг нони. Янги ҳосил.

6 Утадиган вақтнинг ўрнига келадиган; навбатдаги. *Янги аср. Янги ҳафта. — Янги йилни қаршилаймиз, ёр-жўрлар, бу кеча. Ғ. Ғулум. Қуз келиб янги ўқув йили бошланди. П. Турсун, Ўқитувчи. Янги ой* 1) асосий қисми Ер соясида бўлиб, фақат бир чеккаси қош шаклида нур сочиб кўринадиган, яқиндагина кўрина бошлаган ой; янги чиққан ой; 2) хозирги мавжуд календар ойдан кейин келадиган ёки келган ой.

7 Биринчи марта кўрилатётган, нотаниш. *Янги жойларга бориб қолди. || Бу кўча мен учун янги. — Умирини шаҳарда, шовқинли цехларда ўтказган бу йилги учун қишлоқ мутлақо янги олам эди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

8 Яқин ўтмишга ёки хозирги замонга оид. *Янги тарих. Янги маданият. Янги совет кишини.*

9 рвш Яқиндагина, хозиргина. *У янги шу ерда эди. — Пўлатов босмаҳонага янги келган. А. Қаҳхор, Сароб. Нотаниш бола ҳамон кетмон уряпти. Яланғоч бадани терлаб кетганидан офтобда янги ювилган самовардек ялтирайди. С. Аҳмад, Уфқ. Амалга янги минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган, юзи маъносиз жиддий ва мағрур. Ойбек, Қутлуғ қон.*

10 рвш Такроран, янгидан, қайтадан; иккинчи марта. *Эсингизда борми, мени дор остидан қутқазиб, менга янги ҳаёт бағишлаганингиз? А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ЯНГИДАН** рвш Қайтадан, қайта бошдан, бошқатдан, янгитдан. *Мақола янгидан таҳрир қилиш керак. — Гўё бўлиб ўтган можаро янгидан бошланиб, энди, Абдурусул даввогар бўладиганга ўхшар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қўм-қўс осмон ҳудуди артилган шишадек тиниқ. Гўё олам янгидан яратилган. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ЯНГИЛАМОҚ** 1 Эски нарсани янгисига алмаштирмақ, янги қилмоқ. *Соат пружинасини янгилламоқ. — Зеби қайната ва қайнанага вақтида чилим тутуши, чилимнинг сувини тез-тез янгиллаб, сархонасини тозалаш лозим эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. — Чойдан хабар олай, деб кириб эдим. Совиб қолган бўлса, янгиллаб келай, — деди Соли ерга қараб. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Меҳриниса эри идорага бориб келаман, деб чиқиб кетгач, дастурхонни йиғиб, самоварнинг кулини қоқди, сув тўлдириб, оловини янгиллади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

2 Илгари ишлаб келган киши ўрнига бошқа кишини белгилламоқ, бошқасини қўймоқ. *Кафедра мудирини янгилламоқ. | Ўрнига бошқасини қўймоқ, алмаштирмақ. Азар мумкин бўлса, лозимимни ҳам янгиллаб берсангиз. «Латифалар». Хулласи калом, ишларим чакки эмас, дўптим яримта. Фақат менда бир армон бор. У ҳам бўлса,*

хотинни янгиллаб олам. «Муштум», 1959, № 3.

**ЯНГИЛАНМОҚ** янгилламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н. Катта самоварга қайта-қайта сув тўлдирилиб, ўти янгиланади. Ҳ. Ғулум, Сенга интиламман. Болани кўриб, дардим янгиланиб турилман. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.*

◆ **Яраси янгиланди** илгари бошдан ўтган кўнгилсиз воқеа эсига тушиб, кўнгли бузилди. *Биров келди дегунча [Онахоннинг] яраси янгиланади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ЯНГИЛАТМОҚ** янгилламоқ *фл. орт. н.*

**ЯНГИЛИК** 1 **янги** с. белги оти. *Қийимнинг янгилиги. Раҳбарнинг янгилиги.*

2 Илгари маълум бўлмаган, яқиндагина пайдо бўлган нарса ёки ҳодиса; яқиндагина кашф этилган янги нарса. *Фан ва техника янгиликлари. — Қандай қилиб бўларди, иш унумини оширадиган янгилик ўйлаб чиқдингиз-ку, яна бир янгилик киритсангиз, анча одам бўшаб қолиши табиий. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Зор қишлоқда ҳар куни бир янгилик, ҳар куни бир мўъжиза юз берарди. С. Аҳмад, Ҳукм. Сизнинг ана шу янгилик тарафдори эканингизга ҳамма қойил. Ж. Шарипов, Саодат. | Яқиндагина эшитилган ёки олинган янги хабар, янги маълумот. Акрам Адолатни яхши кўради. Қани, марҳамат этиб мана бу янгиликни эшитингиз-чи, ёқармикан сизга. С. Анорбоев, Оқсой. Сайфулла кун сайин бир янгилик топиб келарди: — Тоҳирни домла Мансурга кўтартириб қўйиб, қамчи билан қўймигизга хўп савалади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЯНГИТДАН** с. т. Янгидан. *Иш янгитдан бошланди. — Уша пайтларда янгитдан расм бўлган примус, занжирга тош бойланган осма соатларни Максим бемалол тузата оларди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ЯНГИТГА** рвш, с. т. Хозиргина, янгигина; яқиндагина. *Сидиқжон янгитта чиқиб кетипти. А. Қаҳхор, Қўшчинор. Омон-эсон мен ҳам янгитта келдим. Фозил шоир.*

**ЯНГИЧА** 1 рвш Илгариларга ўхшамаган ҳолда, янги усулда, янги тартибда. *Биз янгича ишлаймиз, янгича яшаймиз. — Янги супурги янгича супуради, деб тўғри айтарканлар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. У бутунлай янгича кийинган, оёғида ғарчли сариқ ботинка, эғнида кул ранг костюм, сочини жуда силлиқлаб орқасига тараган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 сфт Илгаригиларга ўхшамайдиган, янги урф бўлган. *Янгича турмуш. Янгича кийиниш. Янгича муносабат. — Абдушукурнинг тили қичиб, янгича тўй ҳақида.. муфассал изоҳ бермоқча чоғланган эди, лекин сўзини Ҳакимбойвачча илиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. || [Абдусамадқори:] Мен бироз эскича ўқиганман, янгичага ҳали*

машиқим роса бўлган эмас. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЯНГИЧАСИГА** рви Янги йўл, янги усул билан, янги урф-одатларга мос равишда. [Сидиқжон:] Куллуқ! .. Биз ит бўлсак, бўйнимиздаги тилла зан-жирингиз ўзингизга, янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса — уч талоқ қўйдим! А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЯНГЛИШ** Ҳақиқатга ёки бирор қондага тўғри келмайдиган ҳолда; нотўғри, хато. Янглиш гапирмоқ. Янглиш ёзмоқ. Янглиш ҳисобламоқ. || Янглиш иш. Янглиш хулоса. ■ Одамлар бирма-бир патнис олдица келиб: «Номингиз, фамилиянгиз, жойингиз, молингиз» каби сўроқларга гўё янглиш айтиб қўйишдан қўрққандай, ўйла-ниб жавоб қайтара бошладилар. П. Турсун, Ҳўитувчи. Танқиднинг чиққани ҳам, газетанинг янглиш келтирилгани ҳам рост. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**ЯНГЛИШИЛМОҚ** янглишмоқ фл. мажх. н.

**ЯНГЛИШМОҚ** Ҳақиқатга ёки бирор қонун-қондага хилоф иш тутмоқ; хато қилмоқ, адашмоқ. Ҳисобда янглишмоқ. Бу ҳовлига янглишиб кириб қолибман. ■ — Жияним сўзларидан янглишиб кетсалар нима бўладир? — Нега янглишчилар, улар биланларидан ортиқни, албатта, сўзлашаслар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутмане. Ойбек, Қўтлуғ қон. Энди, сен нечага кирдинг? Янглишмасам, ўн бешига кириб қолдинг-а? П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЯНГЛИШТИРМОҚ** янглиштирмоқ фл. орт. н. Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик! Сиз муҳаббат хусусида ҳам уни янглиштирмане! А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**ЯНГЛИҒ** қўм., эск. (б. к. билан) Сингари, каби. Лола янглиғ. Олов янглиғ. Шер янглиғ қурашди. ■ Рангим сомон янглиғ дард ила ғамдан, Жудолликдан тушган ҳажру аламдан. Ҳамза. Барот полвон билан Ғуломжон ҳам Замон янглиғ ишай бўлиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик, бу янглиғ вафосизлик кўрдим. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЯНГРАМОҚ** Жаранглаб эшитилмоқ, жаранглаб ёйилмоқ, жарангламоқ. Залда «ура» садолари янгради. Болаларнинг овозлари янгради. ■ Кремнинг куранти соз, дилга яқин, У чалган занг янграб кетар ҳамма ёққа. И. Муслим. Ғала-ғовур ичида алақимнинг баланд овози янгради. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Мустамлакчилик тугади ҳисоб, Баланд янграмоқда озодлик марши. Уйғун. | Жарангдор овоз билан тўлмоқ. Бутун майдон

янграб кетди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЯНГРАТМОҚ** янграмоқ фл. орт. н. «Ленин!» сўзини баралла янгратаётган болаларга завоқ билан тиккилдилар. Х. Ғулом, Машғал. Янграмоқда ленинчи авлод Бахт созини ва жўшқин сасни. Ғайратий. Уларнинг чағир-чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини янгратади. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЯНГРОҚ** Жаранглаб эшитиладиган, жаранглаб чиқадиган; жарангдор. Янгроқ қўйишқ. ■ Марям тирсиллаган олма сингари, кулеиси кумушдек янгроқ, сапчиб турадиган олов қиз эди. А. Мухтор, Чинор. Юксаларкан давримиз янгроқ куйи, Эркин руҳим ўза куйни қучолмас. Ғайратий. Алиохун.. янгроқ овозини баланд қўйиб, бирдан куйлаб юборди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЯНИШМОҚ** янмоқ фл. бирг. н. Соливоқ куллогини секин тўрқичега олиб келса, кексалар ҳа деб икковини янишайётган экан. Ж. Шарипов, Саодат.

**ЯНМОҚ** Дўқ, пўписа қилмоқ, койнмоқ. Сардоров, шахсан беран кўрсатмасини вақтида бажармай, комиссия олдида уятга қолдиргани учун, раисни яниб қўйган. Х. Назир, Кўктерак шабадаси. [Абдулазиз:] «Майли, камситаверчи, жазангни бошавой бергур! Қачонгача камситаркансан?» деб ичида янди-да, милтигини олиб, горнинг оғзидаги харсанга бориб ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЯНТОҚ** Чўлларада ўсадиган, дуккаклиларга мансуб тиканли ўт. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади. Мақол.

**ЯНТОҚЗОР** Янтоқ ўсган, янтоқ билан қопланган ер.

**ЯНЧИЛМОҚ** янчмоқ фл. мажх. н. Янчилган мурч. Туз янчилди. ■ Ғалла тоши ғурраларида янчилиб ун бўлади-да, мана шу ариқчалардан сурилиб ҳампага тушади. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда. Эшон ва бойлар замонида эзилиб, янчилиб юрган вақтларимизда домла эҳтимол каттада семириб ётган бўлса. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЯНЧМОҚ** 1 Ўрилган ғалла бошоқларини босиб, уриб, эзгилаб донни ажратиб олмақ. Бўғдой янчмоқ. Шоли янчмоқ. Янчиши машинаси.

2 Зарб билан уриб эзмоқ; майдаламоқ, кукунга айлантirmoқ. Мурч янчмоқ. Талқон янчмоқ. ■ Чу десанг тоғларни чоғлар димоғи, Тошини янчар пўлат, асил туғи. «Равшан». Илонни қўйруғидан эмас, бошидан янчадилар. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Оёқ ости қилмоқ, пайхон қилмоқ, эзиб ташламоқ. Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидеги тиккайган нарсани букиб-янчиб ташламоқчи бўлгандек пишқирар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Янчиб ўтар ҳар танкимиз бало тоғини, Самолётлар ёғдиради самодан олов. Ғайратий.

4 Қўйма Қириб юбормоқ, йўқ қилмоқ. [Колесниковнинг нутқида] жаво-

бан халқнинг овози гуриллади: «Ур золимини! Торт бу ёққа, янчамиз уни!» Ойбек, Қўтлуғ қон. Кўриқ ерлар очаман, Шум янтоқни янчаман. Қ. Муҳаммадий. Бирдан сақраб турар Латофат, Шубҳаларни оёқ остида Янчмоқчидай бўлиб беишфат. Ю. Шомансур.

**ЯНЧТИРМОҚ** янчмоқ фл. орт. н. Дон янчтирмоқ. Мурч янчтирмоқ.

**ЯПАЛОҚ** Ялпайган, яллоқ, ясси. Япалоқ темир. Япалоқ тош. Япалоқ юз. ■ Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ гишт билан кўтарилган .. қадимий айвонда ўтириб .. хомчўт қилди. Мирмуҳсин, Чинқиш. Азмиддин Талъатбекнинг серташвиши юзига, япалоқ бурнидаги тиғ изига, совуқ кўзларига қараб, ўйга толди. Х. Ғулом, Машғал.

◆ **Ёмоннинг кучи япалоққа** етар ўзидан кичик ёки кучсизга озор берувчи кишига нисбатан айтиладиган ибора.

**ЯПАЛОҚЛАМОҚ** Япалоқ қилмоқ, ялпоқламоқ. Михнинг учини япалоқламоқ.

**ЯПАЛОҚЛАНМОҚ** япалоқламоқ фл. ўзл. ва мажх. н.

**ЯПАЛОҚҚУШ** Бойўғли, бойқуш. **ЯПАСҚИ** Паст бўйли, пастак, пакана. Япасқи одам. Япасқи сиғир. Япасқи дарахтлар. ■ Анча-мунча юрилгач, чап тарафдаи ясси тоғлар этагида япасқи битта оқ уй кўринди. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Япасқи олмаларнинг ёмғирда чўмилган хўл баргларни гўё «ҳой, уятсиз» деб ши-вирлар ва юзларига шаппатилар эди. С. Анорбоев, Оқсой. || Йўлдошбойнинг япасқиси ҳам ҳозир унча қамчи талаб қилмайди, жийрондан қолишмай одимлаб боради. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ЯПОН** қ. японлар. Япон тили. Япон санъати. || Япон аёл.

**ЯПОНЛАР** Японияда аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган халқ, Япониянинг туб аҳолиси.

**ЯПОНИЧА** 1 Японияга, япон халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. Японча рақс. Японча қўйиш. Японча ёзув.

2 Япон тили. Сиз японча(ни) биласизми? || Японча гапирмоқ.

**ЯПРОҚ** 1 Ўсимликнинг қуёш нури ёрдамида углекислота ва сувни шакар моддасига айланттириш учун хизмат қилувчи озикланиш органи; барг. Яшил япроқлар. Кузги япроқ. Гуллар япроқ чиқарди. Дарахт — япроғи билан кўркам, одам — меҳнати билан. Мақол. ■ Ҳа демай карнайеулар .. илларга чирмайиб катта-катта япроқлар отди. А. Қаххор, Қўшчинор. Кўздан дарак берувчи сарғайган япроқлар йўл устида, ариқ бўйида ётарди. Ж. Шарипов, Саодат. Бойнинг юзи ўтга ташланган япроқдай буришди. Х. Ғулом, Машғал.

2 Бир бўлак опқа нарса ҳақида. Бир япроқ қази. ■ Ҳолвафуруш .. тоқдадаги қалин бир китобни очиб, унинг орасидан бир неча япроқ яп-янги,



шалдироқ қоғоз олиб .. узатди. Ойбек, Навоий.

**ЯПРОҚЛАМОҚ** I Барг чиқармоқ; баргламоқ. Баҳор келиб, дарахтлар япроқлай бошлади.

2 Юпқа-юпқа қилиб кесмоқ, паррак-ламоқ. Гўшти япроқламоқ. Япроқлаб кесмоқ.

**ЯПРОҚЛАНМОҚ** I япроқламоқ фл. ўзл. н.

2 япроқламоқ 2 мажх. н. Стол устида солса, варақи, япроқланган қазиню яхна гўшт, шикиликнинг ҳамма тури мухайё. Мирмуҳсин, Умид. Оқсоч рюмка билан унга керак бўладиган закуска ҳам олиб келди. Япроқланиб, бетиға шакар сепилган лимон, қовурилган хурмо мағзи. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЯП-ЯЙДОҚ** яйдоқ с. инт. Яп-яйдоқ дала.

**ЯП-ЯЛАНГ** яланг с. инт. Жағларим Шайдоннинг даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг. Муқимий.

**ЯП-ЯЛАНҒОЧ** айн. қип-яланғоч. Тўсатдан ҳужума учраган босқинчилар саросимада кийимларини киймай, яп-яланғоч қочган эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЯП-ЯНГИ** янги с. инт. Дилишод .. қора лаклари ярақлаб турган яп-янги извошни пайқамай, ичкери кириб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эркак яп-янги, узун қоғоз оқчани келиннинг бошига қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯРА** I Тиғдан, қаттиқ зарбадан ёки модда алмашинувининг бузилиши туфайли танада ҳосил бўладиган шикаст; жароҳат. Ёмон яра. Тиг яраси. Қўлимга яра чикди. Ярани даволамоқ. — У .. граната осколкиси ўнг оёғини ёриб юборган, жонини қаерга қўйишини билмай, окоп деворига суяниб типирчилаётган солдат ёнига бориб, ярасини боғлай бошлади. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Қонли қўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани оиди. Яра кўкракда, юракка яқин; ундан куюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Кучли қайғу, рухий азоб, алам, ғам; ҳасрат. Ғулмжон Эрбўтани калака қилиш учун эмас, ўз қалбида фасод боғлаб ётган боласизлик ярасига малҳам босиш учун ўйнашиб эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Баъзан [Ғулнорнинг] юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсина очини истайди, лекин етим қизни қайғуга ботиришдан қўрқади. Ойбек, Қутлуғ қон. Ақли кирди. Болалида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг боғлаб, фасод йиға бошлади. С. Зуннунова, Гулхан. Яра устига чипқон дард устига дард, қайғу-алам устига яна оғирроғи. Бир маломат шубҳаси ҳали юрагидан кетмай туриб, буниси яра устига чипқон бўлмасин. Р. Раҳмонов, Келин. Ярасига туз сепмоқ қ. сепмоқ. Ярасини ёрмоқ дардини айтмоқ, дилида-

гини ошкор қилмоқ. Азизбек, халққа ташаккур айтиб, ярасини ёрди. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **ЯРАС** енгил қийин эмас, осон; ҳеч гап эмас.

**ЯРАДОР** Бирор жойи ёки аъзоси яраланган; жароҳатли, ярали. Ярадор солдат. || Енгил ярадор. Оғир ярадор. — Улган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тош бўрон»ни кучайтирди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қайилма атрофидан окопларда ҳам уч киши ярадор бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ха демай шу батальондан ярадорлар кела бошлади. Шухрат, Шинелли йиллар. — Йўқ, — деди Сафарқул, — бизга «асирлар билан ярадорларни йўлдирманг» деганлар. Айний, Қуллар.

**ЯРАЛАНМОҚ** Ярадор бўлмоқ, жароҳатланмоқ. Кечадан бери кишилар оғзида Нормуҳаммад қушбеги «яраланган, Қўқон йигитларидан бир ярим минги қирилган!» деган хабар юриб кетди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЯРАЛИ** I Бирор жойига яра чикқан, яраси бор; ярадор. Ярали киши. || Юзи ярали. Қўли ярали.

2 Қаттиқ рухий азоб чеккан; яширин бир алами, ғами бор; ғам-ғуссалли, қайғули. Кўнгли ярали одам. — Зайнабнинг ҳам юраги ярали эди, унинг тўйи яқинлашган вақтда севикли кувё йигит икки кунгина хасталаниб ўлган. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯРАЛМОҚ** айн. яратилмоқ. Духоба қирғоқларда Янги дунё яралган. Ҳ. Олимжон.

**ЯРАМАС** I Ишга, истеъмолга яроқсиз, сифатини йўқотган. Ярамас асбоб. Ярамас пичоқ. Ярамас қалам. Ярамас ер. Ярамас сув. — Бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан, бунинг уй-жойлари тузук бўлса ҳам, қизи кўрксиз экан. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўчма Ёмон, қабих, ноқобил. Ярамас қора хайлар. Ярамас феъл-атвор. Ярамас қилиқлар. — Бойнинг ачиқ сўзлари, ярамас ниятлари унинг юрагини чил-чил қилгандир. Ойбек, Қутлуғ қон. [Меҳриниса:] Биттам сал шўхроқ чиққан .. Ярамас болаларга қўшилиб қолдими деб қўрқаман. Уч кундан бери йўқ. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЯРАМАСЛИК** ярамас с. белги оти. [Матқоғул] ўзининг ишга ярамаслигига узил-кесил ишонгандан кейин .. ерни ўртоқларидан бирига шерикликка берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шунча кишининг илтимосини ерда қолдириши — ўзи ярамаслик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЯРАМОҚ** Муайян талабга жавоб бермоқ, яроқли бўлмоқ; иш бермоқ. Бу сув ичишга ярайдими? Қурилишга ярайдиган ёғоч. Бу от улоққа ярамайди. Бўйнидан боғлаган ит оёга ярамас. Мақол. — Дадамни ўзингиз биласиз, оғир ишга ярамайдилар.

А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. Менинг асарларим босилишга ярамаганлигидан эмас, яраганлигидан шундай жавоблар олдим. А. Қаҳҳор, Сароб. Уқитинг хўп, бурро бўлсин тиллари, Қаламега ярасин нозик қўллари. «Эрали ва Шерали». I Бирор жиҳатдан фойда келтирмоқ, керак бўлиб қолмоқ. Тирикликка ярайдиган нарсалар. Бир кунимга яраб қолар. Оёқ чарчаса, таёқ ярайди. Мақол. Оқ тангам қора кунимга яраб. Мақол.

**ЯРАЛИ** айн. яроқли.

**ЯРАТИЛМОҚ** яратмоқ фл. мажх. н. Бойвачанинг кўзида ҳар бир хотин унинг нафси, ҳирси учун яратилган чиройли мева эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳомидбой — шунақа қўланса гаплар учун яратилган одам. А. Қодирий, Утган кунлар. Биринчи дўторнинг яратилиш тарихи қадимги дунё дошимандларидан Афлотунга бориб тақалади. Т. Бахромоқ, Оҳанг хазиначиси.

**ЯРАТМОҚ** Вужудга келтирмоқ, бунёд этмоқ, тузмоқ, барпо қилмоқ, ижод қилмоқ. Янги асар яратмоқ. — Насибга ўз бахтини ўзи, ўз қўли билан яратади! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. Худо бандасини яратганда, пешанасига чоракор бўлган, деб ёзмасин. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Комсомол турмушида янгилик яратар, Комсомол эскилик ҳукмини иргатар. Ғайратий.

**ЯРАТУВЧИ** I яратмоқ фл. ш. оти. Тарих яратувчилар. — Куртдан гул, гулдан баҳор, яроқдан асал Яратувчи моҳир боғбон йўқдир онадан ўзга. Ё. Мирза.

2 дин. Худо, оллоҳ, тангри.

**ЯРА-ЧАҚА** Кўп ва турли яралар. Булар орасида яра-чақаси камроғи Барот полвон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯРАШ** I ярамоқ фл. иш оти. Дўст оғир кунда яраши керак. — Медесстралликка яраш ҳам гапми? А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

2 Уруш-жанжални тўхтатиш; ярашиш. Бу жанжал яраш билан тугади. Яраш аҳди тузилди.

3 Яраш (эркаклар исми).

**ЯРАША** кўм. (ж. к. билан) Мос келадиган, мувофиқ, лойиқ. Кучига яраша. Сўзига яраша. Эшигига яраша туюши. Мақол. — Аҳли растага ва бойвачаларга яраша дурустгина кийнади. Ойбек, Қутлуғ қон. Тўйда ўзингиз бош бўласиз, худо хоҳласа. . Аввал ўзига яраша бир қиз топилсин. П. Турсун, Уқитувчи. — Бизда илгорлар ишига яраша ҳурматдалигини яхши биласан, — деди Йўлдош Саидга. А. Мухтор, Чинор. | Қифоя қиладиган, етарли. Ҳасан сўфи тоғнинг икки томонини синчиклаб қаради-да, калласини чайқаб: — Сув чиқади-ю, лекигин бойга яраша чиқади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯРАШИШ** I ярашмоқ фл. иш оти. 2 айн. яраш 2.

**ЯРАШИШМОҚ** ярашмоқ I фл.

бирг. н. Икки кунлик дил хираликдан сўнг, улар яна ярашишди. Мирмухсин, Умид.

**ЯРАШИҚ** Мос келадиган, муносиб, мувофиқ, ярашадиган; мос. Юбилей йилига ярашиқ ишлар. Ярашиқ кийим. Илми жисмига ярашиқ. Давримизга ярашиқ одатлар. — Ҳа, эгаси ҳам номига ярашиқ эди [деди Сафарали]. М. Исмоилӣ, Қарс икки қўлдан. [Комилжоннинг] бежирим лаблари ҳам ўзига ярашиқ. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. || Ярашиққа орт кокилин ўрарман, Насиб этса қирқ беш кунда келарман. «Алпомниш».

**ЯРАШИҚЛИ** I айн. ярашиқ. Қора шириндан келган бу қизнинг лаблари ярашиқ ва ярашиқли эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўм. вазифасида, с. т. Етадиган даражада, яраша. Уғлим, бу икки отга ярашиқли нарсларнинг ҳам таги камдир. «Эрали ва Шерали».

**ЯРАШМОҚ** I Ўзаро уруш-жанжални тўхтатмоқ, урушмасликка аҳд қилмоқ, муносабатни яхшиламоқ, тотувлашмоқ. [Қумуш:] Мен ҳали урушғилик ҳолданман, ярашганим йўқ! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Унақа олифта бўлса келмасин эди! Ярашгани келганми? Уй қургани келганми? А. Қаххор; Қўшчинор. Соли сингиллари билан ярашди. Ўртада узилиб қолган алоқа тикланди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ЯРАШМОҚ** II Мос келмоқ, мувофиқ бўлмоқ, тўғри келмоқ; ўхшаб тушмоқ. Ҳар нарсаса ўз оти ярашади. Бу гапларни қўйинг, сизга ярашмайди. Ярашмаган қилиқ. Ёмонга ёр ярашмас. Мақол. — [Саодат:] Ёшсан, соғсан; ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир ишхлик йиғитликда ярашади. Ойбек, Қўтлуғ қон. Қимирламанг, отахон! Сиз келганда биз турсангиз хунқ кўринади. А. Қаххор, Хотинлар. Бу либос сизга жуда ҳам ярашибди. Гул ҳам ярашганга ярашар экан. Сизга ярашмабди. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

**ЯРАШТИРИЛМОҚ** яраштирмоқ фл. мажх. н.

**ЯРАШТИРМОҚ** ярашмоқ I фл. орт. н. [Орипов:] Почам билан яраштириб қўяйми? З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЯРАШ-ЯРАШ** айн. яраш 2. Икки тарафнинг эчлилари учрашиб, яраш-яраш бўлади. Ойбек, Навоӣ.

**ЯРАҚЛАМОҚ** I айн. ярқирамоқ. Бепойн қор даласи олмос каби ярақлайди. — Бухоро устиди энди кўтарилиган офтоб, мансабдорларнинг камарига ўрнаштирилган рангли тошларга ёрнатирилган ярақларди. Ф. Расул, Адолат.

2 Ёруғ-равшан бўлиб кетмоқ, порламоқ; равшан кўринмоқ. Чироқ ёниши билан уй ярақлаб кетди. | Равшан кўрадиган бўлмоқ. У [Жаниш] сесканди. Қўзи бирдан ярақлаб очилди. Ҳ. Шамс, Душман.

**ЯРАҚЛАТМОҚ** ярақламоқ фл. орт. н.

**ЯРИМ** (3-ш. бирл. ярми) I Бирор нарсанинг икки тенг қисмидан биттаси, иккидан бир бўлаги, иккидан бири. Йилнинг ярми. Ноннинг ярми. Қишининг ярми тугади. Ишнинг ярми битди. — Ёни-верги билан қўйилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради. Кейин яхшилаб чопасан. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Ойбек, Қўтлуғ қон. Ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб ер юзига мўралаб қўйди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Бутуннинг иккидан бирига тенг миқдор; 0,5. Ярм йил. Ярм литр ёр. Ярм метр лас. Ярм килограмм шоколад. Ярм соат суҳбат.

3 Бир нарсанинг ўртаси, ўрта бели. Йўлнинг ярмига етганда машина бузилиб қолди. У ярим кечада етиб келди. Бу тоғнинг ярмига аранг чиқдик. — Бир гал Мадамин райондан маст-аласт ва авзойи бузуқ бир ҳолда ярим тунда қайтади. П. Турсун, Уқитувчи. Вақт ярим тундан ошган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Тўлиқ эмас, нотўлиқ; чала. Ярм шаффоф. Ярм қоронғилик. Ярм жиддий. Ярм ҳазил. — — Ҳар нима бўлса ҳам мен уни ҳеч хушламайман, — деди Қўтубия, ярим кирланган қўлини оқ шойи рўмолчаси билан арта-арта. Айний, Қуллар. Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари хурпайган бир йиғит ҳам ўтирди. Ойбек, Нур қидириб. | Ярми бошқа нарсдан бўлган, ярмига бошқа нарса аралашган. Ярми жуш, ярми ип арқон.

5 Икки хил нарса, модда, ходиса ва ш. к.дан ташкил топган, аралаш. Ярм жуш мата. Ярм ипак шохчи.

◆ **Ярим автомат** бирор цикл ишни киши иштирокисиз ўзи мустақил бажара олмайдиган, тўла автоматлашмаган механизм. **Ярим жон** заиф, нимжон, майиб, чалажон. У [махбус] ярим жон гавдасини деворга тираб, .. узун бармоқлари билан тасбеҳ ўғирарди. А. Ҳакимов, Илон изидан. **Ярим колония** (ёки мустамлака) формал жиҳатдан мустақил ҳисобланса-да, аммо сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирор империалистик давлатга тобе бўлган мамлакат. **Ярим орол** геогр. бир томони қуруқликка туташган орол. **Ярим подшо** (ёки пошшо) с. т. чор ҳуқуматининг Ўрта Осиёни бошқариш учун тайинлаган, катта маъмурий имтиёзларга эга бўлган ҳоким; губернатор. **Қишлоқда «бу одамларни сўроқ қилгани ярим пошшонинг ўзи келар эмши»** деган овоза тарқалди. А. Қаххор, Қўшчинор. **Ярим фабрика** қ. фабрика. **Кўнгли ярим айн. кўнгли яримта** қ. кўнгил. **Қизил Крест** ва **Қизил Ярм** ой жамияти қ. қизил.

**ЯРИМ-ЁРТИ** рвш Охирига етказилмаган ҳолда; чала. Ишни ярим-ёрти қилиб ташлаб кетишдан ёмони йўқ. Бироқ кўпчилик бир овоздан экспедицияни давом эттиришни маъқуллашди.

**Ж. Абдуллахонов, Тўфон.** Бўлган воқеани Ҳафиза бувисига ярим-ёрти айтиб берди, кампир таҳоратини ҳам учутиб, бақрайиб ўтириб қолди. Мирмухсин, Умид.

**ЯРИМЛАМОҚ** Ярмига ёки ўртасига етмоқ; ярми -кегиб, ярми қолмоқ, ярим бўлиб қолмоқ. Ҳовуз суви яримлаб қолди. — Шу тариқа қиш ҳам яримлади. С. Аҳмад, Уфқ. [Дастурхонда] бир ишига ароқ бўйлаб, иккинчиси яримлаган, нон билан мевадан бошқа егулик нарса кўринмасди. Ҳ. Гулом, Сенга интиламан. Дарс яримлаганда, ўқитувчи бирдан қулоқ солиб қолди. .. Аллакимнинг пишиллаётгани баралла эшитилди. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

**ЯРИМЛАТМОҚ** яримламоқ фл. орт. н. Туробжон икки коса ичди, хотин эса ҳануз бир косани яримлатолмас эди. А. Қаххор, Анор. Турғунбой пиёлани яримлатиб чой қуйди-да, шопириб қайтарди, сўнг бир оз кутди. Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

**ЯРИМТА** I Бутуннинг иккидан бир қисми, қоқ ярми. **Яримта** нон. **Яримта тарвуз.** — Йиғит елқадан қопчасини ечиб, **яримта** гишдай нон, икки қатта чақмоқ қанд, бир қаричча йўғон колбасани олди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 с. т. Ярм литр ичкилиги бор (бутилка ҳақида). **Манноп каттақон бархан салқинида ёнбошлар ётар**, «яримта»ни бўйлаб деб қолган эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

◆ **Дўпписи яримта** қ. дўппи. **Кўнгли яримта** қ. кўнгил.

**ЯРИМТАКИ** с. т. Ярми синиқ, ярми ейилган, яримта бўлиб қолган. **Яримтаки қалиш.** **Яримтаки гишт.**

**ЯРИМТАЛИК** I яримта с. мажх. орт. 2 айн. яримта 2.

**ЯРАМТА-ЮРИМТА** Бутун эмас, синиқ; ярим-ёрти. **Яримта-юримта** гишталар.

**ЯРИМЧИЛИК** диал. эск. Ҳосилни тенг бўлиб олиш шarti билан шерикчиликка қилинган деҳқончилик. Тўранинг «илтифоти» билан Иброҳим ота янги очилган ердан икки танобчасини ижарага — яримчиликка олди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЯРЛАҚАМОҚ** айн. ёрлақамок. Ўтган йил, жудо ярлақаб, ўзимга маҳси тиккан эдим. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЯРМАРКА** [р<нем] Йилнинг маълум бир вақтларида, муайян бир жойда вақти-вақти билан ташкил этиладиган савдо-сотик, бозор (унда, одатда, ўйин-кулги, томошалар ҳам бўлади). Бу йил ўнинчи майдан ўн бешинчи майданга республикамиз пойтахтида Бутуниттифоқ улғуржи китоб ярмаркаси ўтказиладиган бўлади. Б. Фулова, Нур манбаи.

**ЯРОҚЛИ** Муайян талабларга жавоб берадиган, бирор нарсга ёки бирор мақсадда ишлатса бўладиган. **Экишга яроқли ер.** Ичишга яроқли сув. **Яроқли асбо-уқуналаримиз бор.** — **Текши-**

рув натижаси тупроқнинг дамба учун яроқли эканини кўрсатиб турибди-ю, лекин у барибир лаборатория хулосаси эмас-да. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.— «Меҳмонлар» бизнинг яроқли барча мол-мулкимизни олиб кетишиди,— деди Халима. Х. Носирова, Мен ўзбек кизиман. | Бирор иш қилиш қўлидан келадиган; лаёқатли. Ишга яроқли кишилар. ■ Бибинурегина бу ердаги ўзга меҳмонлар орасида таржимонликка яроқли эди. Ойбек, Улуғ йўл. Яқинда уни [Эркинни] ҳарбий комиссарлик чақириб комиссиядан ўтказибди, врачлар уни хизматга яроқли топшибди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ЯРОҚСИЗ** Бирор талабга жавоб беролмайдиган, бирор мақсадда ишлатиб бўлмайдиган, бирор нарсага ярамайди. Ишга яроқсиз материал. Экишга яроқсиз уруғ. Яроқсиз асбоб. Қўнат вақтида экилмаса, яроқсиз бўлиб қолади. ■ Яроқсиз бўл қолди бизнинг аслаҳа. Шайхзода. | Бирор иш қилишга қодир эмас; лаёқатсиз. Аъзамнинг ишга яроқсиз бўлиб қолганини билган хўжайинлари аллақачон унинг думини туккан. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЯРОҚСИЗЛИК** яроқсиз с. белги оти. Ернинг яроқсизлиги.

**ЯРОҒ** Хужум ёки ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган асбоб; қурол, аслаҳа. Ботирнинг мушти ҳам яроғ. Мақол. ■ Посбоннинг яроғида Садоқат зоҳир; Ўлкамиз байроғида Садоқат зоҳир. Ё. Мирза.— Хўп,— деди комиссия раиси,— сиз ўз билганингизча қўлида яроғи бор одамларни, бизга душман бўлган кишиларни рўйхат қилиб беринг, биз ундай одамга қандай муомала қилишни ўзимиз биламиз. Айний, Қуллар. Шакар ўғлон миниб отнинг беллига, Уқу яроғин олиб қўлига, Аввал овга борди Чибчи қўлига. «Ширин билан Шакар».

**ЯРОҒ-АСЛАҲА** Ҳар хил қурол-асбоблар, қурол-яроғ. Яроғ-аслаҳа омбори. ■ Қисмларимиз шундай шиддатли зарбалар берар, шундай қисиб борар эдики, душман .. кўп жойларда яроғ-аслаҳаларини ташлаб қочар эди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ЯРОҒЛАНМОҚ** Қуролни қўлга олмақ, қуролланмоқ. Яроғланган йигитлар ирғиб туриб кўчага чиқиб кетдилар. Айний, Қуллар. Барча яроғланган урушга ҳозир эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЯРОҒЛАНТИРМОҚ** яроғланмоқ фл. орт. н. Гиждубон ҳокимлари бу фармонни олгач, ўз одамларини яроғлантириб, тайёр қилиб сақладилар. Айний, Эсдаликлар.

**ЯРОҒЛИ** Қўлида қурол бор, қуролланган; қуролли. Ёвга чиқсанг, яроғли чиқ, ёлғиз чиқма, ҳамроҳли чиқ. Мақол. ■ Ҳовли ўртасида буларни бир тўда яроғли кишилар ўраб олдилар. Айний, Қуллар. Қушбеги яроғли йигитларни қайтишга буюриб, гуноҳкорларни ювошига қилиб ўз олдига чақирди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЯРОҒСИЗ** Қўлида қурол, аслаҳаси йўқ; қуролсиз. Яроғсиз одам. Яроғсиз отряд.

**ЯРОҒСИЗЛАНМОҚ** Қурол-асбобларни ташламоқ, қуролсизланмоқ.

**ЯРОҒСИЗЛАНТИРМОҚ** яроғсизланмоқ фл. орт. н. Душманни яроғсизлантирди.

**ЯРОҒСОЗ** Қурол-асбоб ясовчи уста.

**ЯРОҒСОЗЛИК** Қурол-асбоб ясаш. Яроғсозлик устахонаси. Яроғсозлик заводи.

**ЯРОҒХОНА** Қурол-асбоб, ўқ-дори сақланадиган жой; арсенал.

**ЯРУС** [р] Томоша залидаги ўрта ёки юқори қаватлардан бири.

**ЯРҚ**: ярқ этиб ай. ялт этиб қ. ялт. Қўзойнаги «ярқ» этиб кетди. О. Ёқубов, Ларза. Саудийнинг кўзи ярқ этиб очилди. А. Қаххор, Сароб.

**ЯРҚИЛЛАМОҚ** Ярқирамоқ, йилтирамоқ. Ўзи экан ярқиллаган кенг сарой, Одам тушса бир томоша қилгудай. «Рустам».

**ЯРҚИРАМОҚ** Нур сочиб порлаб турмоқ, нур сочиб ёниб товланиб турмоқ. Осмонда тўлч ой ярқираб турибди. ■ Отабек ярқираб чиқиб келган қўёша қаради. А. Қодирий, Утган кунлар. Одатда Мирзакаримбой ўтирадиган меҳмонхонанинг деразаларида чироқ ярқираб эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нур сочгандай порлаб кўринмоқ, ялтирамоқ. Қор қўёш нурида ярқирайди. ■ Нурматовнинг қўлидаги ўткир болтаси офтобда ярқираб кетар эди. Ж. Шарипов, Саодат. Янтоқлар қорайиб, чақмоқ тошлар ойдинда ярқираб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Оққуш каби узоқдан, Ярқирайди пахталар. И. Муслим.

◆ Пешанаси ярқираган омади келган, бахти очилган, бахтли.

**ЯРҚИРАТМОҚ** ярқирамоқ фл. орт. н. У .. уст-бошининг кир-чирлигига унча эътибор бермаса ҳам, қуролни ярқиратиб қўяди. Ойбек, Қуёш қораймас. Икки узани, иккови ҳам тилладан, Ярқиратиб икки ёққа туширди. «Равшан».

**ЯРҚИРОҚ** Нур сочиб порлаб, чақнаб турадиган. Ярқироқ юлдузлар. ■ Тип-тиник зангори осмон, ер юзи оппоқ, ҳаддан ташқари ярқироқ қуёш. П. Турсун, Уқитувчи. | Нур сочгандай порлаб, товланиб турадиган; ялтироқ. Ярқироқ шиша. Ярқироқ идиши. ■ Ўзлари тўйма-тўй юришини, ярқироқ чопонлар кийишини яхши кўрадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯРҚ-ЯРҚ** ярқ с. такр.: ярқ-ярқ этмоқ (ёки қилмоқ) ярқираб турмоқ. Қўкрагингиз [орден, медаллар билан] ярқ-ярқ қилади-ю. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЯРҒОҚ** Жуни тўқилган, ошланган (тери ҳақида). Шу пайт эгнига ярғоқ теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ ёй осган намат қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отнинг жилови-юшига қилиб ўз олдига қиссаси.

**ЯСАДОҚ** диал. Ясамол, ясоғлик.— Бизникидақа кичкина ғарибона эмас, катта чиройли, ясадоқ уй экан,— деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯСАЛМОҚ** ясамоқ фл. мажҳ. н. Пластмассадан турли буюмлар ясади. Темирдан ясалган панжара. ■ Соғонанинг ўнг бошидаги тошдан ўйиб ясалган лавҳа кўзга чақилиб турар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЯСАМА** 1 Қўлда ясалган; хонаки. Ясама пичоқча. Ясама радиоприёмник. Ясама стол.

2 Табиий эмас, сунъий. Ясама тиш. Ясама соч.

3 Кўчма Қалбаки, ғайритабиий. Ясама кулчи. Ясама ноз. Ясама табасум. ■ Боя жуда самимий туюлган хушчақчақлиги эса энди қандайдир ясама бўлиб кўринди Жабборга. О. Ёқубов, Учрашув. Буларнинг ҳаммаси уқувсиз ёш артист томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажарилган ролдай ясама чиқди. А. Қаххор, Сароб. | Қиз қайрилиб, унинг аҳволига ҳайратда қолди ..— Вой, нима бўлди сизга? Бурнингиз ерга тегай деб қопти! — деб ясамароқ кулиб қўйди. А. Мухтор, Туғилиш.

4 грам. Ясовчи қўшмчалар воситасида ҳосил қилинган, ясалган (янги сўз ҳақида). Ясама от. Ясама сифат. Ясама равиш. Ясама феъл.

**ЯСАМАЛИК** ясама с. белги оти. Яхши дид .. ҳар қандай қалбақлик ва ясамаликдан нафратланишга даъват этади. Й. Абдуллаев, Дид-фаросат — фазилат.

**ЯСАМОҚ** 1 Бирор нарсани юзага келтирмоқ, ҳосил қилмоқ (мас. қурмоқ, тайёрламоқ, пиширмоқ). Арава ясамоқ. Самолёт ясамоқ. Стол ясамоқ. Дутор ясамоқ. Тандир ясамоқ. Гулхан ясамоқ. ■ Сизлар учун ясадик жасажжи уйчалар. И. Муслим. Дехқончилик машиналарини бу ясаб, Пўлатга зўрлик қиб, йўлга солади. Фозил шоир. [Мирғис:] — Қани, ойиси, сабзини ол, кокил қилиб ташлай. Бир қовурма палов яса. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Нон ясамоқ хамирни эзиб, ёйиб нон шаклига киритмоқ. Онам нон ясадилар.

2 Нарсаларни маълум тартибда жойлаб тузамоқ, кўркем қилиб, тахт қилиб ҳозирламоқ. Дастурхон ясамоқ.

■ Жондор вагончи шу уйга ёпишган иккинчи бир кичик уйдан патнис ясаб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Безатмоқ, ясантирмоқ. Нима учун ҳамма ёқни палаклар, сўзаналар билан ясамадинлар? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сен у йигитни кўрмабсан — дунёга келмабсан. Нақ ясаб қўйган қўғирчоқдек. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

4 Кўчма с. т. Тўқиб чиқармоқ, уюштирмоқ. Фитна ясамоқ. ■ Чўлга қарши бир атака ясайлик. Ойбек, О. в. шабадалар. Ривоятлар топасиз! Фатволар ясайсиз! Шуми инсоф! Шуми диннат, шуми камбоғалга шафқат! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

◆ Пашшадан фил ясамоқ айн. пашшани фил қилмоқ қ. пашша. Яқун ясамоқ қ. яқун. Ўзгариш ясамоқ янгилик киритмоқ, ўзгартирмоқ. Маркс ва Энгельс диалектик материализмни вужудга келтириб, фалсафада туб ўзгариш ясадилар, унда революция қилдилар. «Диалектик материализм масалалари».

**ЯСАНИШМОҚ** ясанмоқ фл. бирг. н. Болалар ясанишиб кўчага чиқибди.

**ЯСАНМОҚ** ясамоқ 3 фл. ўзл. н. Тўйга борадилар хотинлардек ясанмоқ. Кўча ясанган одамлар билан тўлган. — У жуда ясанган, билаклариди кўш-кўш олтин билагузуклар, бармоқларида бриллиант кўзли узуклар. Ойбек, Қутлуғ қон. Ойша хола менинг ясениб олганимни пайқади шекилли, сўраб қолди: — Бир ёққа бормоқчимисиз, ўғлим? О. Ёқубов, Тилла узук. | Ғўзал манзара касб этмоқ, ғўзаллашмоқ. Олам бирданига ясанди-ю, чамандек яшнаб, нурга қўшилди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Салом сенга кўк арча, Қишин-ёзин яшнайсан, Япроқларинг нинача, Ясангансан, ғўзалсан. 3. Диёр.

**ЯСАНИРИЛМОҚ** ясантирмоқ фл. мажх. н. Қиз ясантирилди.

**ЯСАНИРМОҚ** ясанмоқ фл. орт. н. Болаларни ясантирмоқ. — Қақроқ чўлли ясантирдим худди сендай. Т. Тўла.

**ЯСАН-ТУСАН** Ўзига оро бериш, ясениш, безаниш. — Эрга тегаётган Гулсум деган ўртоғим-у, ўсма-тасма, ясан-тусанни биз қилдик. — деди Меҳри опа. А. Эшон, Дутор. — Нима гап ўзи, ҳамма ёқ ясан-тусан, бирон маросим борми? А. Мухтор, Чинор. Жанна билан Сунбулхон ая ҳам ясан-тусан бўлиб, одамлар даврасида туришарди. Мирмуҳсин, Умид.

**ЯСАТИЛМОҚ** ясатмоқ фл. мажх. н. Уй ясатилди. — Неча минг сўм харжланиб ясатилаан уй Саидийники эди. А. Қаххор, Сароб. Ясатилган соя-бонли арава, унинг ичида бир эркак, бир хотин ўтирар эди. Ойдин, Гулсанам. Бугун мактаб.. ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаёттир. Шу кунга аталиб ҳовли ўртасида ёллик саҳна ясатилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЯСАТИҚ** айн. ясатиғлик.  
**ЯСАТИҒЛИК** | Жихозлаб тайёрлаб қўйилган, ясатилган, безатилган. Ясатиғлик хона. Ясатиғлик от. — Кундузлари Тошхон ясатиғлик уйда ёлғиз қолар. Р. Раҳмонов, Келин.

2 айн. ясоғлик. | [Ерқиной] кўёё йигит билан ясатиғлик стол ёнига келиб ўтирганларидан бери ичиш у ёқда турсин туз ҳам тотгани йўқ. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда. [Салима] Меҳринисанинг «қўйинг, овора бўлма» деб, жаврашига қармай дастурхон ёзди. Ясатиғлик патнисни қўйди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЯСАТМОҚ** | ясамоқ фл. орт. н. Устага китоб жавони ясатмоқ. — Ис-

сиқ кунларда салқинлаш, малика хонимлар билан ишрат қуриш учун «боғи эрам» ясатдик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Чиройли буюмлар, безаклар билан кўркем қилмоқ; ясантирмоқ, безантирмоқ, бежамоқ; Отни ясатмоқ. Болаларни байрамга ясатдик. — Мен бориб Тўпанисо опамга айтай, у ёқ-бу ёқдан нарса топиб уйини ясатайлик. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ЯСЛАНИШМОҚ** ясланмоқ фл. бирг. н.

**ЯСЛАНМОҚ** айн. ястанмоқ. Отабек ҳордиқ чиқариб ясланди. А. Кодирий, Ўтган кунлар. Қизинг чехраси ёришди «Ҳайрият!» деди-ю, трубкани илиб, мамнун ҳолда стулга ясланди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ЯСЛАНИРМОҚ** ясланмоқ фл. орт. н. **ЯСЛИ** [р] Уч ёшгача бўлган ғўдаларни сақлаб боқувчи тарбиявий муассаса. Келинлар далада, неваралар боқчада ва яслида; ҳовли жим-жит. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЯСМИН** [а] Ўткир хушбўй оқ гулли, кўпинча боғларда ўстириладиган бутасимон ўсимлик. Биз Нил ёқаларида нилуфарлардай очилиб, яслилардай гуллаб турган бир юракни кўрдикки, бу Мисрнинг қалбидир. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

**ЯСМИҚ** Дуккақиллар оиласига мансуб ўсимлик ва унинг дони. Ясмиқ шавла.

**ЯСОВ:** ясов тортмоқ тар. ҳарб. сафга тизилмоқ, саф тортмоқ. Ҳой қўрғон устидан азаматлар! Ҳозир бўлингиз, ясов тортингиз, бек келадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЯСОВУЛ** тар. Ўрта Осиё хонликлари даврида: юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуроли соқчи, посбон. Тоҳир хонга қараб югурди, ясовулар унинг орқасидан келиб, бўйнига сиртмоқ ташлаб, боладилар. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ЯСОВУЛБОШИ** тар. Ясовулар бошлиғи.

**ЯСОВУЛХОНА** тар. Ясовулар, соқчилар ва қурол-яроғ турадиган бино ёки махсус хона. У ясовулхонага кирганда, у ерда ўтирган азиз дўсти Ашир маҳрамни кўриб, ўпкасини босиб олди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЯСОВЧИ** | ясамоқ фл. ш. оти. Стол ясовчи. Гувала ясовчи. Пул ясовчи.

2 грам. Ўзақ ёки негизга қўшилиб янги сўз ҳосил қиладиган (форма). Сўз ясовчи қўшимчалар. Феъл ясовчи қўшимчалар.

3 мат. Айланма сирт ҳосил қилувчи чизик. Қонус ясовчиси.

**ЯСОҚ** тар. Қонунлар мажмун; қонун. Чингизхон ясоғи. Хоразм хонлиги жазо қонунлари ясоғи. — Уфадаги Мадрасаи олияда шоғирларга ҳар кун би соат, жума кунлари кенгача кўчада юришга рухсат этилар, бошқа вақтларда кўчага чиқиб «қатагон ясоқ» эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЯСОҒЛИҚ** Ноз-неъматлар билан тузалган; бежоғли. Ясоғлик хона. Ясоғлик стол. Ясоғлик патнис. — Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлик уйларда ўтиришади. Ойбек, Қутлуғ қон. Хизматкор чол дарҳол дастурхон ёзиб, даҳлидан ясоғлик баркаш олиб кирди. М. Осим, Ўтрор.

**ЯССИ** | Юза, ёйиқ, ялпоқ, саёё. Ясси тарелка. Ясси қайиқ. — Акрамхон йиғитни зилдан қузатди: кенг юзи заҳил, кўзлари нурсиз, бурни ясси, қулоғи остидаги ямоғида тиг ўрни сезилиб турарди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Ўнқир-чўнқирсиз, текис; юза. Бригада ерининг бир бўлаги ясси тепаликдан иборат эди. Туйғун, Йўлдош акани эслаб. Мана, айланма йўллар ҳам орқада қолди. Яғриндор ясси қир бошланди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЯССИЛАНМОҚ** | Бирор нарсани уриб ёймоқ, ялпоқламоқ. Уста темирни чўққа солиб болғалайди, чўзади, яссилайди. Ойбек, Болалик.

2 Кўчма Бирор хато ёки айбни енгил қилиб кўрсатмоқ, ёпмоқ, андавалаб ўтмоқ. Жиноятни яссилаб кетмоқ. **ЯССИЛАНМОҚ** яссиламоқ 1 фл. мажх. н. Темир ғўла яссиланди.

**ЯССИЛИК** ясси с. белги оти. Буруннинг яссилиги. Юзинг яссилиги.

**ЯСТАНМОҚ** | Оёқ-қўлини узатиб, чўзилиб ётмоқ; ясланмоқ. Кампир диванда ястаниб ётарди. — Майсага ястаниб ётган Сувоножон Ниерога ён томондан келиб қўйилган жилганинг лабини кўрсатди. С. Анорбоев, Оқсой. Мана буқун қулинг ўргилсин бир хиёбонки, қўланкасида ястанинг келади. Ойбек, О. в. шабадалар. | Бемалол суяниб ўтирмоқ, суялмоқ; ташланмоқ. Қўли креслонинг ён суянчигига ястанган Латифжоннинг иссиқ биллагига .. тегай-тегай деб турарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Ернинг маълум сатҳини қошлаб, эгаллаб ётмоқ, чўзилиб ёйилиб ётмоқ. Нариги томонда эса, кун нурида қизиган оқ-сариқ кўмлар ястаниб ётарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Буларнинг орқасида шакар қамиш, каноп, жўхори ва ҳар нав сабзавотлар билан қошланган кўм-кўк далалар ястанган. Ойбек, Нур қидириб. Ана йўлнинг иккала бети бўйлаб, сахий қўёё нуруни беармон эмиб, ястаниб ётган тоқзорлар орқада қолди. С. Анорбоев, Қолхоз кншилари.

**ЯТИМА** [ф-т] кт. Етим қиз.  
**ЯХ** [ф-т] айн. муз. Яхда тойганмоқ. Айронга ях солмоқ. Яхдай сув.

◆ Ях бўлиб туриб олмоқ ёки яхман деб туриб олмоқ бирор маслаҳатга кўнмасдан ўжарлик қилмоқ, безрайиб туравермоқ. — Мен салкам 30 йилдан буюн пахтанинг ичидаман. Менга машинанг керак эмас, — деди-ю, яхман деб туриб олди [Ҳожибой ака]. С. Шокаримов, Сергак кишилар.

**ЯХЛАМОҚ** | Музга айланмоқ, музламоқ. Ана, айтмадимми, бутун қил-

ган ишинг шунақа. Қишда сабзи яхлаб қолиши билан иши йўқ. Ойдин, Ҳзи монанд. Қиш чиллада ўрик гуллабди-ю, Саратонда яхлаб қопти сув! Ойбек.

2 с. т. Совуқ емоқ, совқотмоқ. Оёқ-қўлим яхлаб кетди. | Совиб қолмоқ. Чой яхлаб қолибди-ку!

**ЯХЛАТИЛМОҚ** яхлатмоқ *фл. мажҳ. н.*

**ЯХЛАТМОҚ** яхламоқ *фл. орт. н.* Балиқни яхлатмоқ. Сувни яхлатмоқ. Чойни яхлатмоқ. — Боқижон .. ичида ўйлади: «Ута кетган эрка, нозчи нарса экан-ку, қучоғимга кир, нозу карашмангни яхлатиб қўяй». Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЯХЛИТ** 1 Айрим қисмларга бўлинмаган; бутун, бир, бўлак. Яхлит муз массаси. Яхлит ойнали деразалар. Яхлит пайкал. — Яхлит картадаги чигитлар бир текисда ушиб чиққан. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Энди улар анча зич-тиғиз қаторлар билан, гўё ҳаракатчан оғир, яхлит темир қуломлар каби илгариларди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Бу ердан бутун участка яхлит кўриб турар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Битта; ягона, умумий. Яхлит қурилиш ташкилоти. Халқ хўжалигининг яхлит давлат плани. — Яхлит давлат, билмадим, неча бўлакка бўлинади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Йирик, улгуржи. «Масковда нима қиласиз?» — «Савдо Масковда, жоним, яхлит фойда ҳам у ерда». Ойбек, Қутлуғ қон. || Шахталарда шахтёр шиддаткор .. Вагонларни тердириб қатор, Қўмирларни қўлатар яхлит! Ё. Мирза. | Лўнда, аниқ; жиддий. Кейинги хотинимни қўйишга яхлит сабаб йўқ эди. С. Аҳмад, Ариза. Ҳикояларим аччиқ, захарли, яхлит турмушдан олинган нарсалар. Ойбек, Нур қидириб.

4 Касрсиз, бутун, йирик. Яхлит рақамлар.

**ЯХЛИТЛАМОҚ** Майда бўлакларни бир бутун ҳолга келтирмоқ; йирикламоқ. Пулни яхлитламоқ. Рақамларни яхлитламоқ.

**ЯХЛИТЛАНМОҚ** яхлитламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Яхлитланган пул. — Ирода эса ўз навбатида характери шакллантиради, демак, инсоннинг бутун фазилатлари яхлитланиб, уни яхши одамга айлантиради. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ЯХЛИТЛАНТИРИЛМОҚ** яхлитлантирмоқ *фл. мажҳ. н.* Феруза Турсунхоннинг яхлитлантирилган янги картасида чигит экишга бошчилик қиларди. Х. Ғулом, Сенга интиламан.

**ЯХЛИТЛИК** яхлит с. белги *оти.* Обид Жалилов образнинг бадиий яхлитлиги учун унинг бошқа қиёфасини тўғри ва ҳаққоний ифодалаш қанчалик муҳим эканлигини яхши тушунади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**ЯХМАЛАК** Муз билан қопланган; тойганоқ, сирпанчик. Болагар чана учинган бўлса керак, анҳор устидаги кўприк яхмалак бўлиб кетибди. Х. Ғу-

лом, Тошкентликлар. Яхмалак отмоқ муз устида сирпаниб ўйнамоқ. Ойижон, қишда мен мактабимиз йўлидаги музлаган кўлда яхмалак отаётган қизни кўриб қолдим. Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

**ЯХНА** [ф-т] Тайёрлаб совутиб қўйилган; совуқ, муздай. Қори муллаваччаларнинг йўл учун пишириб олган яхна гўштларидан оз-юз еб, қувватга кириб қолдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Олис йўл босиб, чўл қувиб келаётган «улуғ»лар ҳам шу чойхонага қўниб, битта яхна кўк чой ичмасдан ўтолмасдилар. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. Дастурхон ёзилиб, бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди. Ойбек, Навоий.

**ЯХОБ** [ф-т] 1 қ. х. Ҳосилдорликни ошириш, шўр ювиш, ерни зарарли хашаротлардан тозалаш учун экин майдонини қишда суғориш. Ерга яхоб бермоқ.

2 диал. Музли сув; муздай сув.

**ЯХТАК** с. т. Яктак.

**ЯХШИ** 1 Ижобий сифатга эга бўлган, бирор талабга тўла жавоб берадиган, кишига ёқадиган, маъқул бўладиган. Яхши киши. Яхши от. Яхши баҳо. Яхши гап. Яхши идея. Яхши тилаклар. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Мақол. Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи. Мақол. || Яхши емоқ. Яхши киймоқ. Ҳузун яхши тутмоқ. || Яхши ошини ер, ёмон — бошини. Мақол. Яхшига ёндаш, ёмондан қоч. Мақол. Отнинг яхшиси улоқда билинади. Мақол. Яхши билан юрсанг, етарсан муродага, ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга. Мақол. — [Кумуш] кундан-кунга Зайнабнинг сузайиб, ўзига беғоналашиб борганини яхши англади эди. А. Қодирий, Ҳтган кунлар. Яхши гапирди ҳам кўрди, ёмон гапирди ҳам кўрди, фойдаси бўлмади. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Гулнор, сиз яхши ўйланг, ихтиёр сизда. Ойбек, Қутлуғ қон. Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади. А. Қаххор, Тўйда аза. Яхши кўрмоқ

1) бирор нарсани, кишини ёқтирмоқ, маъқул кўрмоқ. Сухбатни яхши кўради. Озода кишинини яхши кўради-ган одам. От минини яхши кўраман.

— Бу камбағал хаста йиғитни Йўлчи яхши кўрар, аҳволига кўнгилдан қайғуради эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) муҳаббат қўймоқ, севмоқ. — Бир-бирини яхши кўрмоқ. — Ростини айт, муаллим болани яхши кўрасанми? — деб сўради Тожибой қўққисдан. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 модал с. Ҳўп бўлади, дуруст, маъқул. Яхши, ҳозир етиб бораман. Яхши, мен яна ўйлаб кўраман. — Яхши. Ваъда ҳам берайин, ажмо сен унашмай тур! А. Қодирий, Ҳтган кунлар. [Оқсоқол] ўридан турди ва қаттиқ овоз билан: — Яхши .. Бу кишига ҳам «форма»дан берасан, — деди ва шошаанча чиқиб кетди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ЯХШИКИ** модал с. Хайрият, хайриятки. Эртага қишлоғинга жўнамоқчи эдим. Яхшики, ўзинг етиб келдинг. Ойбек, Қутлуғ қон. Яхшики, бизнинг можаролардан қайин отам жуда сийрак хабардор бўлди. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

**ЯХШИЛАБ** 1 яхшиламоқ *фл. ривиди.*

2 Аъло даражада, беками-кўст, жуда бошлаб. Яхшилаб ёзмоқ. Бу гапларни яхшилаб тушуниб ол! Яхшилаб дам олмақ. Яхшилаб текширинг. — Кумушнинг кўнглини яхшилаб очинглар, қизлар! А. Қодирий, Ҳтган кунлар. Ёрмат челақ билан аравага жуда кўп сув сепди, яхшилаб сулурди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Жуда бошлаб, қойил қилиб, қотириб. Яхшилаб жавоб бермоқ. Яхшилаб патини юлмоқ. — Бошлаб-сизлар. Яхшилаб таъзирини бериш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ЯХШИЛАМОҚ** 1 Бирор нарсанинг сифатини, ҳолатини юқори даражага кўтармоқ, илгаригидан яхшироқ ҳолга келтирмоқ; тузатмоқ. Ёзуни яхшиламоқ. Ишларни яхшиламоқ. Меҳнат интизомини яхшиламоқ. Экин навларини яхшиламоқ.

2 Мақтамоқ, кўкларга кўтармоқ, улугламоқ. У сизни доим яхшилаб юради. Бировни орқасидан ёмонлаш ўрнига яхшилаган маъқул.

**ЯХШИЛАНМОҚ** яхшиламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Иш сифати яхшиланди. Йўлчи яхшиланди. Касалнинг аҳволи яхшиланди. — Гулнор ҳозир Нурининг меҳрибончилигига севинди. Эрга тегиб, феъли анча яхшиланибди шекилли, деб ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯХШИЛИК** 1 яхши 1 с. белги *оти.* Ҳикоя алоҳида яхшиларнинг яхшилик ё ёмонлиги, ё бўлмаса турмушдаги бирор тасодиф устида ёзилмади. А. Қаххор, Сароб. Тошкентга қайтишда мени ҳам олиб жўнадилар. Чунки яхшиликимни, тўғри, ҳалол ишлаганимни билар эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ихтиёрий равишда бирор кишининг манфаатини кўзлаб иш тутиш, бирор манфаат етказиш; меҳрибонлик; хайрли иш, эзгулик. Яхшилик қилмоқ. Яхшиликни унутма. Сизга яхшилик хоҳлайман. Яхшиликнинг кечи йўқ. Матал. Ёмондан яхшилик кутма. Мақол. Яхши одамнинг яхшилиги тегар тор ерда, ёмон одамнинг зарари тегар ҳар ерда. Мақол. — Яхши одамлар ҳамма жойда топилади. Лекин бу бечораларнинг қўлларидан бировага яхшилик қилиш келмайди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Йўқ, худди шундай! Лекин мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўрганман. Бу яхшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жой олган. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Кумқшиқликлар раисимиздан нуқул яхшилик кўришган. Х. Ғулом, Машғал.



**ЯХШИЛИКЧА** рвш Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бермасдан, яхшилик билан, уруш-жанжалсиз. Яхшиликча бу ердан жўнаб қол. — Яхшиликча эгардан тушу, қўлингени кўтар. Бўл-маса, от устидан телпақдай учираман, — деди Абдурашул ва қўш оғизли милтиқни Мадаминга ўқталди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қани, тур бўл-маса, чиқиб кет! Яхшиликча жойингени топ! Ғ. Ғулом, Шум бола. Ана шунақа-да, ака; биз бир-биримиз билан яхшиликча гаплаша олмаيمиз. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

**ЯХШИСИ** кириш с. Энг қулай, мувофиғи, тўғриси. Яхшиси, менинг маслаҳатимга кириш. — Сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отанга узрингени айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унақа деманг, яхшиси, соқолим кўксима тўкилсин, деб қўя қолинг. С. Аҳмад, Хукм.

**ЯХШИЯМ** [асли яхши ҳам] с. т. Яхшики. Яхшиям ўзи келмабди.

**ЯЧЕЙКА** [р] Бирор йирик ташкилот составидаги кичик бир ташкилий группа. Оила — жамиятнинг бошланғич ячейкаси. — Барча социал-демократлар .. нолегал социал-демократик ячейкаларга киришлари керак. В. И. Ленин, Брюссель кенгашида РСДРП МҚнинг доклади. | эск. Бошланғич партия ва комсомол ташкилоти. Партия ячейкаси. Ячейка бюроси. — Сизларда қизлар комсомол ячейкасини тузамиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЯШАМОҚ** 1 Маълум муҳлат умр кўрмоқ; ҳаёт кечирмоқ; тирик юрмоқ. Кўп яшаган билмас, кўпни кўрган билар. Мақол. — Маллахондан бери яшайман, болам, не-не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўрганман, не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Ойбек, Қутлуғ қон. Ғуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бирор йўсинда ҳаёт кечирмоқ, бирор тарзда тирикчилик ўтказмоқ. Абзодда яшамоқ. Елғиз яшамоқ. Ота-онасиз яшамоқ. Роҳатланиб яшамоқ. Тутқунликда яшамоқ. Кул бўлиб яшамоқ. Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлган яхши. Мақол. — Масалан, тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, жамандаи булбуллар ҳам ёлғиз эмас, чамдай яшайдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Содиқлар ўз овқатларини ҳам ўтказолмаган ҳолда фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-моз ерларидан сотиб тирикчилик қилар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлмоқ, ҳаётдан фойдалана олмақ; ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечирмоқ. Яхши бўлсанг, яшарсан, насибангни ошарсан. Мақол. — Сен кўпроқ ўзинг тўғрингда, ўғлинг тўғрисида ўйла, болам. Сизлар яшайдиган замон энди келади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Бирор нарсани ҳаётдаги энг муҳим нарса деб билмоқ, унга қаттиқ берилмоқ. Илҳом билан яшамоқ. Ижод қилиш истағи билан яшамоқ. Бирор кимсанинг ишқи билан яшамоқ. — Шунинг учун қишлоқда ҳам ўз жонининг қайғуси билан эмас, бахти қора халқ қайғуси билан яшай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ҳаётини бирор жойда ўтказмоқ; бирор жойда истиқомат қилмоқ. Шаҳарда яшамоқ. Қишлоқда яшамоқ. Мусофирчиликда яшамоқ. Чет элда яшамоқ. — Мана ҳозир уч кундан бери бу ерда, опасининг боғида яшайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу қишлоқларда, қўрғончаларда одам яшаганлиги, хурсандчилик, тўй-томоша қилганлиги узоқ ўтмиш тўғрисидаги эртакдай туйиллар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [Абдушукур] бу ерда бир татар савдогарнинг хизматига ўтиб, Қозонга кетди. Қозонда уч йил яшади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Маълум жойда ҳаёт кечирмоқ мосламасқоқ ёки одатланмоқ. Айиқ ўрмонда яшайди. Каклик тоғда яшайди. Балиқ судада яшайди.

5 Бирор кимса билан бир жойда, бирга истиқомат қилмоқ. Мен билан яшайдиган кампир бозорчи хотин эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Муттасил яқин муносабатда бўлмоқ. Биз икков ёшликдан бира яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Бировга эр ёки хотин бўлиб ҳаёт кечирмоқ, эр-хотинлик муносабатида бўлмоқ. Мана уч ойга яқиндир, Нурунисо ўзи кўрмаган, билмаган, ҳатто исмини тўй арафасида келинбойсидан шитган эри билан яшайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Кўчма Мавжуд бўлиб турмоқ, бор бўлмақ, сақланмоқ. Мангу яшар шуҳратимиз-шонимиз. — Бир неча юз йиллардан бери яшаб, фавқуллода зўрайиб кетган «Хўжа Маъвоз» мазорининг чакалаги бу қоронғиликка бир манба каби эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳазаб ичра ўртаб инсонни, Қирғоғига тўкилган қонни Ювомайди! Яшайди бу қон, Унутилмас бу кураш, қурбон. Э. Раҳим. Асос солди янги дунёнинг Тарихига шу ном-ла башар, Бу номдадир севги ва ҳаёт, Бу ном мангу қуёшдай яшар. Ғайратий.

7 (буйруқ фл. ф-да) Бирор кимса ёки нарсанинг узоқ умр кўриши, абадий мавжуд бўлиши, муваффақият қозониши ҳақидаги истакни ифодалайди. Яшасин коммунизм! Яшасин совет космонавтлари! — Яша Шўро, яша Шўро! Сен яшайдирган замон. Ишчи ўғли, шуҳратиндан Балқисин рўйи жаҳон! Ҳамза. | Маъжўллаш, суюниш, содланиш каби хис-туйғуларни ифодалаш учун ишлатилади. Яшасин, Москвага борадиган бўлибмиз!

**ЯШАР** Саноқ сонлар ёки «ўрта» сўзи билан биргалликда одам ва ҳайвонларнинг ёшини билдиради. Ярим яшар бола. Уч яшар қиз. Олтмиш яшар чол. Ўрта яшар хотин. Беш яшар от. Икки

яшар тана. Бу гапни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади. — Устанинг шоғирди — ўн тўрт яшар Йўлдош — дераза олдига ўтирарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир кун Қудрат сув секиб тургани устига ўзидан бир яшар катта бўласи ичкаридан ёғоч от миниб чиқиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЯШАРМОҚ** 1 Ёш бўлиб кўринмоқ. Ўз элига содиқ киши яшаради, Ишласа, иш сургатин оширади. «Қўшиқлар».

2 Яхши ривожланмоқ, барқ уриб ўсмоқ. Сув шимиб яшарётган ғўзалар яйрарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Кўчма Кўркем ҳолга келмоқ, гўзаллашмоқ; яшнамоқ. Шаҳримиз кундан-кунга яшармоқда.

**ЯШАРТМОҚ** яшармоқ фл. орт. н. Баҳор деганича бор — дилни яшартади. Р. Раҳмонов, Изиди гул унган.

**ЯШАТМОҚ** яшамоқ 1—6 фл. орт. н. Солдатларга мундай қил деб ўратган, Қўнғилли солдатни жуда яшатган. «Фольклор».

**ЯШАШ** 1 яшамоқ фл. иш оти. Бу тоқати-тоқ, жони темирдан инсоннинг тузалиб кетишини, яшашини, узоқ умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 Ҳаёт тарзи, турмуш, тирикчилик. Яшаш йўли. Тинч-томув яшаш. Бахтли яшаш. — Туғилгандан сўнг ўсиш, ўсгандан сўнг икков-икков бўлиб яшаш бор! А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ош ўрнига сув ичиб яшашга розиман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯШИК** [р яшик] Нарса солиш, сақлаш учун фойдаланадиган тўрт бурчак шаклдаги буюм. Ёғоч яшик. Темир яшик. Снаряд яшиқлари. Чой яшиқи. — Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қопни ё яшиқларни тешар, чўнтақларига қўрқа-писа мева соладилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯШИЛ** 1 Сарик билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангидаги; сабза ранг. Яшил барғли ўсимликлар. Яшил парда. Яшил бўёқ.

— Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртада қишлоқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган, унга шулардан бошқа ранг, бошқа кийим ярашмайдиганга ўхшар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || Эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ яшил ичидан жонли найларини тинликка қуярди. Ойбек, Навоий.

2 Яшил рангли ёш майсалар, ўсимликлар билан қопланган. Яшил водий. Яшил дала. Яшил қирлар. — Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангомалар бўлар кўп шинам. Ғ. Ғулом. Унроқда, яшми тена устида кўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди. Х. Ғулом, Машғал. Яшил хиёбонларда Эски дўст-ла юраман. Шайхзода.

**ЯШИЛЛАНМОҚ** 1 Яшил тусга кирмоқ, яшил ранг олмақ. Сал кун ўт-



май баҳор жалалари бошланади. Қамишзорлар яшилланади, қирларда локкизгалдоқлар гулхани ёнади. С. Ахмад, Уфқ.

2 Яшил ранг ёш майсалар, ўсимликлар билан қопланмоқ. Соҳилдаги қатор кул ранг жийдалар таги, илон изи сўқмоқ ҳам яшиллади. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ЯШИЛЛИК 1** яшил с. белги оти. Ховлида жаладан кейинги манзара бошқача: дарахтлар яшиллиги яна ортган. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Яшил ранг. Яшиллик югурган дарахтларнинг учларида илк баҳор кўёшининг олтин шўғаллари товланарди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ЯШИН 1** Атмосферадаги электрнинг бир он ичида илон изи шаклида ёниб чақнаши; чақмоқ. Бу хабар яшин тезлигида тарқалди. — Яшиннинг кўкмишир ёруғида рўпарадаги уйлар ва ёмғирдан жимир-жимир бўлиб ётган ховли бир кўринди-ю, кўздан йўқолди. П. Қодиров, Уч илдиш. Бир ерда туриб қолсак, совқотиб ёки яшин уриб ўлишимиз аниқдир. Айний, Қуллар.

2 Яшин (эржакар исми).

**ЯШИНМАЧОҚ** диал. Бекинмачоқ.

**ЯШИН-ТОПАЛОҚ** диал. Бекинмачоқ. [Қаримов:] Ҳаяллаб ўтиришининг ўрни йўқ, ука, биз ҳоқим эканмиз, истаганимизни амалга оширамиз. Етар энди «яшин-топалоқ» ўйини, энди улар [муштумзўрлар] билан астойдил гаплашмоқ керак. Х. Шамс, Душман.

**ЯШИРИЛМОҚ** яширмоқ фл. мажх. н. Ота-бола, эр-хотин ўртасида ҳеч нарса яширилмасди. Р. Файзий, Ҳазратни инсон.

**ЯШИРИН** Бошқаларга маълум бўлмаган, бошқалардан сир тугилган; махфий. Яширин йўл. Яширин гап. || Яширин қочмоқ. — Терентий йўл-йўлкай унга бу яширин тўғарак ҳақида баъзи гапларни айтиб берди. С. Ахмад, Хукм. [Мадамани:] Элмуродга яширин бир сир айтадигандек бўйинини чўзиб, кўзларини тирпитиб уқтирди: «Э, мусулмон .. Менда нима бўлса, шу жигарим Худойқулга». П. Турсун, Ўқитувчи. Бу ер яширин ўлдириладиган бандилар қушхонаси эди. Айний, Қуллар. Вахोलани сеннинг қайин отангининг уйда ўтадиган воқеаларнинг ипидан игнасигача менадан яширин қолмаслигини ёшлигиндан бери билурсан. Ҳамза, Майсаранинг иши. | Билдирмасликка ҳаракат қилинган, билинар-билимас. — Чолнинг оқ соқоли орасида яширин табасум ёйилди, у қизни қаршилаб, ўрнидан турди. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? У .. ўтирганларга яширин бир назар ташлади. У ўзининг кераксизлигини, бўъчи хотинларнинг яширин нафратини пайқаб турса ҳам, хира пашиа сингари, дастгоҳлар орасида бедана юриши билан йўғралгани-йўғралган. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Яширин овоз бермоқ қ. овоз 6.

**ЯШИРИНМОҚ** яширмоқ фл. ўзл. н. Овчи дарахт орқасига яширинди. — Гулнор кўрпанинг бир чеккасини бошига тортиб яширинди. Ойбек, Қутлуғ қон. Инсон унинг [тоғнинг] метин бағрида яширинган хазиналарга қўл солган. С. Ахмад, Тоғларда. Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобида яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг курғурлар кимга дод деймиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЯШИРИНЧА** рви Бошқаларга билдирмасдан, сездирмасдан, махфий равишда. Яширинча термилмоқ. Яширинча кўз қисмоқ. Яширинча иш тутмоқ. || Яширинча қараш. — Мастура секингина йўғралаб уйга борди-да, онасидан яширинча бир сиқим чувилаган пахтани қўйнига тиқиб келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Нури палак остида, ёш аёллар билан қуришган ҳолда турар .. баъзан яллагиларга яширинча мўралаб қўяр эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯШИРИҚ** айн. яширинча. Бир вақтлар Нурининг ўртага отган тўхматни орқасида Гулсунбиби эри Ерматдан яшириқ қизининг феъли-атворини, юриш-туришини очиқ ва бекитиқ равишда узоқ таъқиб этди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЯШИРИҚЛИК** Яширинган, махфий ҳолдаги; яширин. Ширин сўз билан бола ичида яшириқлик ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. М. Исмоилӣ, Одамийлик қиссаси.

**ЯШИРИҚЧА** айн. яширинча. [Шарофат ҳола] айниқса, ўғлининг ундан яшириқча ича бошлаганини пайқасач, у сўнги илнзгини ҳам йўқотгандек бўлди. А. Мухтор, Чинор. || Узлари, яшириқча гапим бор, деб қўймадилар-ку. Ҳамза, Паранжи сирлар.

**ЯШИРМОҚ 1** Биров билмайдиган, кўрмайдиган ёки топа олмайдиган жойга қўймоқ, беркитиб қўймоқ. Калитни яширмоқ. Пулни яширмоқ. — Йўлчи учун келтирилган тўеунчак ёдига тушди. Уни паранжига ўраб, тахмоннинг бурчагига яшириб қўйган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Одамлар молни яширса, биз .. мана, кўриб турибсизлар, бир донга гузурт чўпини ҳам остонадан ташқарига чиқармадик. А. Қахҳор, Қўшчинор. Қушбеги жавоб бериш ўрнига, мактубни олиб кўрпача остига яширди. А. Кодирӣ, Ўтган кунлар. | Бирор нарса билан пана қилмоқ, кўрсатмасликка уринмоқ, беркитмоқ. Бировдан юзини яширмоқ. Рўмол учи билан оғзини яширмоқ. Бир қўлни орқасига яширмоқ. — Раъно ўзига қараб келгучи Анварга ер остидан қўлимсираб олган, бир оз кўришиб турган оёқ учларини сариқ атлас қўйлаги билан яширди. А. Кодирӣ, Мехробдан чаён. Яширай деб кўзда ёшини, Кучиб олди қизининг бошини. Э. Раҳим. Эликбоши оломга қайрилиб, бир қўли билан иши кўзларини яширган ҳолда иккинчи қўлни мушт қилиб, дўқ урди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Бировга билдирмасликка, ошкор қилмасликка, махфий сақлашга уринмоқ, сир тутмоқ. Исмини яширмоқ. Мақсадини яширмоқ. Севгисини яширмоқ. Ҳазабини яширмоқ. Сирини яширмоқ. — Улар ҳар икковлари ҳам ҳаяжонларини яшира олмай бир-бирларига тикилиб қолишди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ. Жонфигон буни [ишламаслигини], албатта, талай вақтгача хотинидан яшириб юрибди. А. Қахҳор, Жонфигон. Қасалинени яширсанг, ўртоқжон, иситмаси ошкор қилади. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ЯШНАМОҚ 1** Барқ уриб ўсмоқ, гулламоқ, гули очилмоқ. Олдин экилган гўзаларимиз эса кун сайин яшинапти. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Юз очмиш, яшинамиш сумбул ва лала. Ғайратий.

2 Узига тортадиган гўзал ҳолга келмоқ, кўркамлашмоқ, гўзаллашмоқ. Баҳор келиши билан дала яшнар. — Эл келтириб ёйди поёндош, Яшнаб кетди ҳовуз бўйлари. Э. Раҳим. Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўйлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яширган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Асрора] кирган уй яшнаб кетади. С. Ахмад, Уфқ.

3 кўчма Ривож топмоқ, камолга эришмоқ. [Йўлчи:] Халқ борган сари пачақланаверади, бойлар яшнайваради, негаки, илдизи кучлимишни сўради-да. Ойбек, Қутлуғ қон. Одамларга ғайрат ва ташаббус яшнаб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

4 Авж олмоқ, авжга чиқмоқ; аланга олиб кетмоқ. Гулхан яшнаб кетди. — Саидийнинг қалбидеги сўна бошлаган муҳаббат чўғи яшнаб бошлади. А. Қахҳор, Сароб.

5 Порламоқ, чақнамoқ; равшан кўринмоқ. Юдузлар чароғон бўлиб яшнамоқда. — Қўша-қўша гилалар яширган бу уй, Унсин ёлғиз қоларкан, алақандай совуқ туюлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 кўчма Яйрамоқ, ёзилмоқ, очилмоқ; ўзини бахтиёр ҳис этмоқ. Янги турмуш боғларинда Ёш кўнгаллар яшинасин! Ҳамза. Ҳар замон бўл билим ўчоғида, Яшинаган маърифат кучоғида. Ғайратий. Паранжини ўт-оташга Ташлаганим-ташлаган Давлат қуши кўнган бошга, Яшинаганим-яшиган. З. Днёр.

**ЯШНАТМОҚ** яшнамоқ 1—4, 6 фл. орт. н. Яхши парварши қилиб кечки гўзаларни ҳам яшатиб юбордик. — Яшнатдим бўз қирлар, бепоён даштани. Ғайратий. Бу бахт Паризод дилини яйратар, чехрасини гул-гули яшнатарди. Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.

**ЯШНОҚ** Яшнаб турган, гўзал, жозибали. Яшноқ боғлар. Яшноқ далалар. — Сурма тортилаган чақноқ кўзлари, гулгун яшноқ юзлари, бежирим кийимларидан тортиб, баланд пошнали қора туфлисигача Моҳидий

кузатиб чиқди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ЯШОВЧАН** Яшашга қобил, яшаб турадиган, яшайдиган. *Яшовчан микроблар. Яшовчан ўсимликлар.*

**ЯШШАМАГУР** қарғ. Умринг қисқа бўлгур, ўлгур. «Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ бўйнингни узаман»,— деб ўшиқирди амакиси. «Қоч! Яшшамагур, қоч!»— деб такрорлади шақилдоқ келинчиси. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ** [а] Диний эътиқодга кўра охир замонда ўз маконидан чиқиб, учраган кимса ва нарсаларни ютиб, йўқ қилиб юборадиган ваҳший махлук; афсонавий зўр куч, енгилмас бало. *Билмадим, бўёқчининг нили бузилганми ё охир замон яқинлашиб, яъжуж-маъжуж хуруж қилганми? Ойбек, Қутлуғ қон. Яъжуж-маъжужлардек Алининг зулфиқори бошимизни узадиган бўлди. С. Аҳмад, Хукм.*

**ЯЪНИ** [а] биркт. боғл. Гап ёки гап бўлагини унга изоҳ берувчи бошқа ибора билан боғлаш учун ишлатилади. *Мен эртадан кейин, яъни шанба кунни, уйда бўламан.*

**ЯҚИН** [а] 1 Орадаги масофа унча катта бўлмаган, узоқ эмас; ёнма-ён. *Энг яқин йўл — шу. Шаҳарга яқин бир қишлоқда яшаймиз. Бир-бирига яқин уйлар. || Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар. Мақол. — Қирғоққа яқин ерда тўрт қозик устида каттакон бир қайиқ турар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.— Қизга яқин ҳовлилардан бирор аёлни топасиз-у, ўртага қўясиз,— деди ошнам. П. Турсун, Ўқитувчи. Тўнкалар жуда кўп, ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор кимса ёки нарсанинг ёнидаги жой, узоқ бўлмаган жой. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши. Мақол.*

2 Нутқ сўзланаётган пайтдан оз вақт билан ажраладиган, кўп вақт ўтмасдан юз берадиган. *Яқин фурсатда дийдор кўришмоқчи оруз қиламиз. Яқин келажакда бу ерлар шаҳарга айланади. — Ҳа, айтгандай, устоз шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор ҳодиса ёки воқеа юз беришига оз фурсат қолганда, маълум бир вақт келиши олди. Кечга яқин меҳмонлар келишди. Саҳарга яқин йўлга тушдилар. Иш битишига яқин қолди. — У энди, иложи бўлса, муносиб кишига Гулнорни ҳозирдан унаштириб, фотиҳа ўқиб, тўй-никоҳни баҳорга яқин ўтказмоқчи. Ойбек, Қутлуғ қон. Тўйга яқин қолганда, келин кўнанинг бошидаги ательёга кўйлак бююргани келган экан. А. Қаҳҳор, Тўйда аза. Яқин ўртада (ёки орада) 1) шу ердан узоқ бўлмаган жойларда, шу атрофда. *Яқин ўртада чойхона борми?; 2) кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгач. [Йўлчи:] Тоҳир ака, қўйинг сиз табибларни. Менга қолса, маслаҳат шу: мана яқин ўртада баҳор, сиз**

қирга чиқинг, кўкрагингизга тоза шамол тегади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Кўчма Дўстона муносабатда бўлган, ёмонликини раво кўрмайдиган; қадрдон, меҳрибон. *Яқин ўртоқ. Яқин дўст. — «Қизиқ одам экансиз», дедингиз. Аммо дўстингдан, яқин бир одамингдан тўсатдан шундай гап эшитиш менга, албатта, оғир. П. Турсун, Ўқитувчи. Назарида нотаниш йигит аллақимга, жуда-жуда яқин одамга ўхшатаётгандек. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. || Меҳмонларни тўй эгасининг яқинлари хурмат ва сартакаллуфлик билан кутиб олишарди. О. Хўсанов, Шинаванда. Узини [бировга] яқин олмақ (ёки тутмақ) ўзини бировга дўст, қадрдон, меҳрибон қилиб кўрсатмоқ. Мени севадимми? Чиндан севадимми ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрибдимми? Шухрат, Шинелли йиллар. | Бировни ўзига яқин кўрмоқ бировни ўзига дўст, қадрдон, меҳрибон деб билмоқ. Ҳай, Сайфулло аканг яқин кўриб сенга бир нарсаси дебди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 Ухшаш, монанд. *Шақли турлича, маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзлар синоним деб аталади. — Практикум, минимум, максимум — булар ҳаммаси латинча ёки латинчага яқин сўзлар. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. 1287 йилнинг сунбула ойи, яъни эрта кўзнинг кўк-лам ҳавосига яқин бир кунни. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

5 Тахминан, қарийб. *Орадан яқин икки йил ўтгандан кейин Авлиётога Бувайдадан бир одам бориб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Бир кун икки кишининг сўроғи яқин тўрт соат вақтти олди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Жўналиш келишигидеги миқдор билдирувчи сўзлардан кейин келиб, чама, тахмин билдирди. Уттизга яқин солдат. Беш юзга яқин кўй. — Раиснинг ўзи билан сўзлашиши керак эди, тўғри унинг қабулхонасига кирдим. У ерда ўнга яқин одам бор эди. Ойдин, Ўзи монанд. Бундан икки тошга яқин настда бир станция бор. Ҳамза, Паранжи сирлари. Биринчи хонадаги ўн бешга яқин мирзолар ҳам турли вазиятда. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланлади (қ. **яқинига**, **яқинида**, **яқинидан**).

**ЯҚИНДА** рвш 1 Бундан бироз аввал. *Яқинда отпусакдан қайтдим. Ораларига яқинда совуқчилик тушди. — Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан ному с қилганидан аллақандай шаҳарга бадарга бўлиб, яқинда келди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Айниқса, яқинда колхоз молхонасига юз берган бир ҳодисадан сўнг холининг кўзига Шербег бошқача кўриниб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Орадан кўп*

вақт ўтмасдан, бундан бир оз кейин. *У яқинда диссертация ёқлайди. Яқинда бошқа ишга ўтмоқчи. — Мусабекларникидан яқинда совчи келармиш. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Бу ердан узоқ бўлмаган жойда, шу атрофда. *Яқинда магазин борми? — [Мутал:] «Яқинда одам йўқми?» — «Йўқ, қиз». А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЯҚИНДАГИ** 1 Бу ердан узоқ бўлмаган жойдаги, шу атрофдаги. *Узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Мақол. Узоқдаги кишини — яқиндаги тишлашар. Мақол. — Шу яқиндаги гулзор хушбўйини ўғирлаб келган шабада гул этиб димоғига урилди. И. Рахим, Чин муҳаббат. У [Шербек] саргузашт излаб неча марта уйдан қочган, шўрлик онаси уни гоҳ шаҳардан, гоҳ яқиндаги темир йўл станциясидан топиб келган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Урданинг чароғчиси дарвоза яқинидаги машғал ёғочига ўт бериб, бутун ўрда ичи ёриб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Бундан бир оз аввал юз берган ёки бўлиб ўтган. *Яқиндаги гап. Яқиндаги воқеа.*

**ЯҚИНДАН** рвш 1 Воқеа, ҳодисанинг нутқдан кейинги вақтда бажарилишини ифодалайди. *Яқиндан бери. Яқиндан бошлаб. — Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ера яқинроқ қисмига учиб тушди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Яқиндан ёрдам (ёки кўмак) бермоқ амалий ёрдам кўрсатмоқ, бевосита ёрдам қилмоқ. — Бизларни кўпдан бери кутаётган райисполком коммунал хўжалик ходимлари ишимизга яқиндан кўмак бериш учун ёрдамчи белдиладди,— деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр.*

**ЯҚИННИГА** кўм. вазифасида Бирор кимса ёки нарсга ёнига, олдига. *Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилгандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ЯҚИНИДА** кўм. вазифасида Бирор нарсга ёки кимсга яқин жойда, унинг олдида, ёнида. *Бу икки хоналик уй, янги қурилайтган мактаб яқинида, узоқдан қатнайидиган юқори синфлар ётоғига мўлжалланган. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ЯҚИНИДАН** кўм. вазифасида Бирор кимса ёки нарсга ёнидан, олдидан.

**ЯҚИНЛАШМОҚ** айн. **яқинлашмоқ**. *Бир-бир босиб илғари елди, Соё бўйига яқинлаб келди. Х. Олимжон. Белидан қўлини олмай яқинлаб келди техник. Ш. Ғулломов, Комсомол иродаси.*

**ЯҚИНЛАНМОҚ** **яқинламоқ** *фл. ўзл. н.*

**ЯҚИНЛАТМОҚ** **яқинламоқ** *фл. орт. н. От ёнига яқинлатмайди. Ишни яқинлатиб қўйибди.*

**ЯҚИНЛАШМОҚ** 1 Бирор кимса ёки нарсга яқинига бормоқ ёки келмоқ.

Тоққа яқинлашмоқ. Шаҳарга яқинлашиб қолдик. ■ Зайнаб ҳам кулимсираган ҳолда Қумушга яқинлашиб келди. А. Қодирий, Утган кунлар. У шундай ўйчан, паршон ҳолатда булоққа яқинлашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Отлар турган жойга яқинлашганде, отларга қоровуллик қилиб турган икки одам ҳам кўринди. Айний, Қуллар.

2 Бирор ҳодиса ёки воқеанинг юз беришига оз вақт қолмоқ, вақт жиҳатидан яқин келмоқ. Янги йил яқинлашиб қолди. ■ Вақт хуфтонга яқинлашган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Даҳшатли минутлар нафас сари яқинлашиб қолмоқда эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ой-кунни яқинлашди** туғишига озгина вақт қолди. Ғанижон хотини ҳомиладор бўлганда ҳам, болани кўтариб юрганда ҳам, ой-кунни яқинлашиб қолганда ҳам, бунга қишлоқда ҳар кунни, ҳар ерда бўлаётган ва бўладиган ҳодиса деб қараган эди. А. Қаҳҳор, Қаравот. | Миқдор билдирувчи сўзлардан кейин келиб, ўша миқдорга етишга озгина фурсат қолганлигини билдиради. [Олимжоннинг] ёши олтишига яқинлашган бўлса ҳам, одамлар эликдан ортиқ беролмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мана, институтни биттириб шу қишлоққа келиб ишлай бошлаганига уч йилга яқинлашди. С. Анорбоев, Оқсой. | Бирор ишни бажаришга, маррага етишга озгина қолганликни билдиради. [Болта:] Биз ҳам яқинлашаёздиқ. Ҳа, Сидиқжон, бўшаиша! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.— Ҳа, яқинлашиб қолдик,— деди Мадаминхўжа чол билан кўришиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Дўстона муносабатда бўлмоқ, дўстлашмоқ. Сержант Сакен Рамзатовнинг қиз билан яқинлашиб қолиши унинг гагини келтирди. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ЯҚИНЛАШТИРИЛМОҚ** яқинлаштирмоқ фл. мажж. н.

**ЯҚИНЛАШТИРИМОҚ** яқинлашмоқ фл. орт. н. Тошини кўндаланг ушлаб, мен айтганда, бир мартаба чайқаб, бекнинг кўзларига яқинлаштиринг! А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Дехқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ораларида болшевикларнинг тилчилари бўлса. Айний, Қуллар.

**ЯҚИНЛИК** 1 яқин 1, 2 с. белги оти. Ғалабини яқинлиги. Бозорнинг яқинлиги. Иш жойининг яқинлиги. ■ Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-ҳуйлаши манзининг яқинлигини билдирар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дўстона муносабат, дўстлик; меҳрибонлик. Умиднинг «сен» дегани Ҳафизага жуда ёқди — бу жуда яқинлик белгиси. Мирмуҳсин, Умид. Бу ҳаммаси менинг Элмуродга яқинлигим туфайли. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЯҚҚОЛ** рви Аниқ, равшан; ошқора, рўйирост, баралла. Тоғлар яққол кўришиб турибди. Нуқсон кўзга яққол ташланади. || Яққол мисол. ■ Ғилдирак-

ларнинг тарақлаши қизил вагонда жуда яққол эшитилар. П. Қодиров, Уч илдиэ. «Йиғитлар» орасига кирганда эса у ўз тақдирининг бутун даҳшатини яққол кўрди. А. Муҳтор, Опа-сингиллар. Ҳар дам яққол сезиб турман Маъниларнинг қанотланганин. Ғ. Ғулум.

**ЯҚҚОЛЛИК** яққол с. белги оти. Мисолларнинг яққоллиги. Далилларнинг яққоллиги.

**ЯҒИР** 1 От, эшак, туя сингари ҳайвонлар устида терининг оғир юкдан эзилиши, ишқаланиши туфайли юз берадиган йирингли яра, жароҳат. Ёли қуюқ эшакдан, яғир бўлган от яхши. Мақол. Туя қанча катта бўлса, яғири ҳам шунча катта. Мақол. ■ Йўнгиққапоёларга қўйиб юборилган эшакларнинг яғирларини қаргалар чўқимоқда. Айний, Қуллар. | Оғир юк ёки зарба туфайли киши елкасида ҳосил бўлган жароҳат, яра. Яғир этди арқон елкамни, Бадан куйиб тош бўлди товон. Э. Раҳим. Оғир юкда яғир бўлди Оптоқ, нозик елкалар. Ҳамза.— Ҳусан мўмин, қобил бола. Елкаси Самсоқбойнинг қалмчисидан яғир бўлган,— деди Арслонқул. Б. Раҳмонов, Мардлар қисаси.

2 кўча Жуда ифлос, исқирт (уст-бош ҳақида). Тўппинг мунча яғир бўлиб кетибди. ■ — Яғир ёстигингизни ерга қўйинг,— деди Холносо,— байталмонни мунча қучоқлайсиз. Мирмуҳсин, Чиникиш. Яғири чиқди жуда кир бўлиб кетди.— Вой-бу,— деди Умиднинг кенг кўксидеги ёшига, кифтларига ялт этиб қараб қўйган Жанна,— майкангизнинг яғири чиқиб кетибди. Мирмуҳсин, Умид.

**ЯҒРИН** Тананинг икки елка ораларидаги орқа қисми; курак усти. Яғрини кенг йиғит. ■ Қаравот четига ўтириб кийинди, коридорда қизаргунча ювинди, хўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тептирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Кун қизиқ. Офтоб яғридан уриб туради. Ғ. Ғулум, Тирилан мурда. Ҳожи бобо деворга суюниб турган оташкуракни олиб, яғринимга иккинчи туширди. Ғ. Ғулум, Шум бола. | Ҳайвонларда белнинг юқори қисми, икки елка оралари. От .. яғринини талаётган чивинларни думи билан тўзтиб юборар. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

◆ **Яғринига офтоб тегди** бахти очилди, омади келди.— Э, хотин, мана бизнинг ҳам қўлимиз узун бўлиб қолди. Ошиғимиз олчи. Пешанамиз ятираб, яғринимизга офтоб тегадиган бўлди,— деди Остонақул. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ЯҒРИНДОР** 1 Яғрини кенг. Амина опа .. ёши қирқлардан ошиб қолган, эркакнамо, новча, яғриндор хотин эди. О. Ёқубов, Бир фелбетон қиссаси. Баланд бўйли, яғриндор, каллахум йиғитча кирди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўча Кенг қулоч ёйган, бағри кенг. Ана бу паканага боқинг, паканага,— ота пастаккина, аммо яғриндор олма дарахтига ишора қилди. Й. Муқимов, Кўшбулоқ. Бағри кенг жилғалар, яғриндор қирларда яшовчи жониворлар жимгина писиб, йўловчини кузатардилар. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЯҒРИНЛИ**: кенг яғринли айн. яғриндор. У [Рустам] бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли, паҳлавон эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Кенг яғринли адирлар, поллизларда сой тошидай юмлаб ётган қовун-тарвузлар, фарқ пишган мевали боғларни қўмсаб, кўнгиел қуши туғилиб ўсган қадрдон қишлоғига қараб талпинарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЯҲУДИЙ** қ. яҳудийлар. Яҳудий тили. || Яҳудий аёл.

**ЯҲУДИЙЛАР** Сомий тиллари группасига мансуб, бутун дунёга кенг тарқалган, келиб чиқиши ва дини бир хил бўлган группалардан иборат халқ.

**Ў**

Ў 1 Ўзбек алфавитининг ўттиз иккинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

Ў 2 И унд. с. 1 Бировга мурожаат қилганда унинг диққатини ўзига жалб этиш учун «ҳой», «хей», «эй» каби маъноларда қўлланади.— Ў, телба хотин, нега зарда қиласан,— деди орқасига суюниб, кўзини юмиб. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Хурсандлик, миннатрдорлик ҳиссини ифодалаш учун қўлланади. Ў, бу ёрдамингизни сира унутмайман, дўстим. ■ — Раҳмат, ў, .. раҳмат! — деди Элмурод боичечакларни олар экан. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Афсусланиш, нафратланиш каби кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаш учун қўлланади.— Ў, нақадор ваҳшийлик,— деди Саидий. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЎБАН** диал. Обдан.

**УГАЙ** Олдинги эр ёки хотиндан бўлган фарзандлар ҳозирги эр ёки хотинга ҳамда уларнинг қариндошларига нисбатан. Угай ўғил. Угай қиз. Угай жиян. Угай набира. ■ Ҳафсалам пир бўлиб, «пешанамнинг шўри курсин, ўгай бола ҳам насиб қилмас», деб йиғлаб-йиғлаб қайтдим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Чап томондагиси Юсвали тоғанинг ўгай ўғли Аваз, ўн томондагиси Давлатёр эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Ҳозирги эр ёки хотин ва уларнинг қариндошлари олдинги эр ёки хотиндан бўлган болаларга нисбатан. Угай ота. Угай она. Угай амаки. Угай тоға. Угай амма. Угай хола. ■ [Марасул:] Ўз холам бўла туриб тўйга келмадингиз-а? Угай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. У энди залнинг бир бурчагида ёки охириги қаторнинг бир четидеги ўгай ота қаршисидеги ёш болдай ўлтирмайди. А. Қаҳҳор, Сароб. Угай

қайнана ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бир онадан туғилмаган ёки отадан бўлмаган, отаси ёки онаси бошқа, туғилмаган фарзандлар (бир-бирига нисбатан). *Ўғай ака. Ўғай опа. Ўғай сингли. Ўғай ука.* — [Дилбар:] Ботиржон акамнинг ўғай синглиси бор, оти Адолатхон, шу ўғил туғибди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

◆ **Ўғай кўз** ўғайларча муносабат, эътиборсизлик ҳақида. Дангал айтишим керак, ўртоқлар, машинага ўғай кўз билан қаровчилар йўлимизга кўндаланг туришиб олдилар. А. Шермухамедов, Пискентлик пахлавон.

**ЎГАЙЛАМОҚ** Бирор кимса ёки нарсага нисбатан ўғайларча муносабатда бўлмоқ, эътибордан четда қолдирмоқ, камситмоқ, ётламоқ. Уни [келини] камситишга, ўғайлашга уринган баъзи қайнана, шубҳасиз, келгуси кўнгалсизликларга замин яратди. Т. Фуломов, Қайнананг яхши бўлса. Шифобахи мева берадиган қимматли дарахтларни ўғайлаб қўймаслигимиз керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎГАЙЛАНМОҚ** ўғайламоқ фл. мажх. н. Комилжоннинг тор қаторлари сурункасига икки йил Зуннунов томонидан ўғайланди. И. Раҳим, Ихлос.

**ЎГАЙЛИК 1** ўғай с. белги оти.

2 Ўғай кишига нисбатан бўладиган муносабат. *Жувонмарглар ўғайликни билдирди, Душманлик қиб [қилиб], бағрим қонга тўлдирди.* «Ширин билан Шакар».

**ЎГИРИЛМОҚ** ўғирмоқ фл. мажх. ва ўзл. н. Унинг юзи чап томонга ўғирилган эди. — Баходир бошқалардан қаттиқроқ қарсақ урдими, одамлар унга ўғирилиб қараб-қараб қўйишарди. М. Жалолидинова, Кейинроқ.

**ЎГИРИҒЛИ** Бирор тарафга қаратиб ўғириб қўйилган; терс. *Қўна тарафга орқаси ўғиригли пастаккина бир уй, бир айвонимиз бор.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ЎГИРМА** Каштачиликда: безак — гул тикишнинг бир усули. *Тикиши силлиқ эмас: Ўғирмаси чакмага, Санамаси йўрмаза Кундош бўлиб турандай.* Ғ. Фулом.

**ЎГИРМОҚ 1** Бирор томонга қаратмоқ, бурмоқ. *Раъно юзини четга ўғириб, бошидаги рўмоли билан юзини артди, узун энтикди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *У кирган, хотин бошини ўғириб қаради-да, шу қараганича кўзлари хиралашиб, секин юмилди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. *Қишлоққа ўғириб қўйилган отлар бирдан суриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Уйинда: ошиқ, гугурт каби нарсаларни (бирор ҳолатда, мас. тикка туршинни мўлжаллаб) думалатиб ерга ташламоқ. *Бола ошиқ ўғирди.*

3 дин. Азиз-авлиёларга атаб боши ёки устидан пул ёки бирор буюмни айлантириб садақа қилмоқ (бирор эъгу тилакка эришиш учун ёки бирор

бахтли ҳодиса муносабати билан). *Пулдор хотинлар бир-бирларидан қолмасликка тиришиб, пул ўғирдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Офтоб ойм эрининг бу сўзини эшитиши билан Хўжа Баходирдин йўлига ўғириб қўйган етти танга пулини Туйбекага бериб, дарров зиноликка жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Бошидан сув ўғириб ичмоқ** энг зарур деб билмоқ, ўта қадрламоқ, ғоят эъозламоқ. *Пахтакор билан механизатор ҳар бир янги машинанинг бошидан сув ўғириб ичгудай.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Қалима ўғирмоқ** айн. **қалима келтирмоқ** қ. **қалима** 2. *Бурун замонда буларга ўхшаган қарилар эмас, ҳатто ёшлар ҳам қалима ўғириб ётар эди, яъни айтмоқчи бўламани, яшайдан кўра кўпроқ ўлиш тўғрисида ўйлар эди.* А. Қаххор, Йиллар. **Юз ўғирмоқ** қ. юз 1.

**ЎГИРТИРМОҚ** ўғирмоқ фл. орт. н.

**ЎГИТ** Йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган гап; насихат. *Зеҳни тез, тиришқоқ Собир отасининг ўғитини бажаришга иштибли, «Машироб», «Сўфи Оллоёр» каби китобларни тезда шариллатиб ўқийдиган бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кейин ўзидан-ўзи мамнун бўлиб, ўғит оҳанга ўтди: «Ёшларнинг тарбияси билан шуғулланиш кўп савоб иш, албатта, аммо бунни қурилиш билан аралаштириб бўлмайди, ўртоқ Бўриев».* А. Мухтор, Тўғилиш.

**ЎГИТЛАМОҚ** кам қўлл. Насихат қилмоқ. *Жумақул ота ўзининг букунги бахтли кунларини ўйлаб, ниҳоятда қувонди. Қампирини ўғитлади.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**ЎДАҒАЙЛАМОҚ** Баланд овоз билан дўқ урмоқ, тахдид ёки пўписа қилмоқ. *Жўра ҳам Замонга ўдағайлаб гапирга бошлади.* Н. Назаров, Замон. *Фосих афанди.. гўдак боланикка ўхшаши кичкина муштини тореина кўкраги олдиға силкитиб ўдағайлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎДАҒАЙЛАНМОҚ** ўдағайламоқ фл. ўзл. н. айн. **ўдағайламоқ**, **Тўла** . малла боланинг олдиға ўдағайланиб келди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ЎДАҒАЙЛАШМОҚ** ўдағайламоқ фл. бирг. н. *Қучинг етса, мана шу ва-сиқаларни янчиб ўт, деб ўдағайлашди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎЖАР 1** Бошқаларнинг гапига қулоқ солмай, ён бермай, ўз фикрини маъқуллайверадиган; қайсар. *У қанча сўзламасин, бу китобнинг динга зиёнсиз эканини ўжар мусулмонга тушунтира олмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Хайдар жиззакки, ўжар одам, лекин қорачадан келган юзида қандайдир олижаноблик бор.. эди.* М. Мухамедов, Қахрамон изидан. | *Ўз фикрини ўтказишга, ўз режаларини бажаришга астойдил уринадиган; қатъий фикрли, бир сўзли. Саидолимжон ўжар бола — айтганини қилмасдан қўймайди.* Ой-

дин, Ўзи монанд. *Менда бор кўп характер: Ҳам ўжарман, ҳам абжир.* Ҳабибий.

2 *кўча* Бошқанинг измига юрмайдиган; бўйсунмас, асов. *Ўжар дарё. Ўжар табиат.* — *Ғуломжоннинг миҳасига яна қон югурди, болаи таниш ўжар ҳис яна бутун вужудини қамради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎЖАРЛИК 1** ўжар с. белги оти. 2 *Ўжарларга хос хусусият, муомала; қайсарлик. Ўжарлик қилмоқ. Ўжарлиги тутмоқ.* — *Бу одамларнинг ўжарлигига ҳайрон қолам.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда. *Сизнинг ўжарлигинизни деб гудек қизимни бегона шаҳарга икки қўйлаб кўйиб келдим.* Х. Аҳмар, Қим ҳақ? *Айниқса сувни Оқбўрадан эмас, Музлоқ тоғни тешиб, Тожиқсойдан келтириш тўғрисидаги ўжарлик одамлардаги ғумонни яна бешибаттар оширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоҳўжа домла бирдан ғўриллаган овоз билан қичқирди: «Тўхта, ҳў қори, тўхта!»... Қори қулоқ солмай, ўжарлик билан ҳовлига чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎЖАРОНА** рви *Ўжарларга хос ҳолатда, ҳеч нарсага қарамасдан, ҳеч нарса билан ҳисоблашмасдан; қайсарлик билан. У диннинг талабларига қаттиқ, ўжарона риоя қиларди.* Ойбек, Улуғ йўл. | *У қиёфасини ўзгартирмай, ўжарона оҳангда яна такрорлади.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ЎЖАРЧАСИГА** айн. **ўжарона.** *Йўлчи бошини қуйи солиб жим ўтирди. Аммо чолнинг ялинишлари, савдогарнинг ўжарчасига оёқ тираб туриши йигитнинг ғазабини ошира бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎЗ** ўзл. олми 1 Эғалик қўшимчасини олган от олдидан келиб, кимса ёки нарсанинг эғалик қўшимчасидан англашилган шахсга қарашли, унга хос ёки унинг шахсий мулки эканлигини таъкидлаш учун қўлланади. *Ўз ватани. Ўз дўстинг. Ўз мулкимиз. Ўз уйим.* — *Қиш уйқусига толар Ўз инида айиқлар. Ўғун. Улар ўз мол-мулкларини яшироқдалар, чет элларга ўтказиб юбориш учун ҳаракат қилмоқдалар.* Ҳ. Умарбеков, Биринчи пионер. *Ҳошимжон ака бу билан ўз журъатсизлигини яшироқчи эканига ҳаммининг имони қомил эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Эғалик қўшимчаси билан келиб, иш-ҳаракат шу қўшимчадан англашилган шахс томонидан шахсан, бошқаларнинг аралашувисиз бажарилишини таъкидлаш учун қўлланади. *Бу шеврни ўзим ёздим. Масалани унинг ўзи ечди.* — *Ўзи тўғради ниёз, Аҳиса ҳамки кўзи.* Ю. Шомансур. [Қаромат опа:] *Тенгини қиз боланинг ўзи танлагани маъқул-да, холажон.* Т. Алимов, Совчи. *Ўзинг ишлаб топганингга ўзинг эва бўлмасанг!* С. Аҳмад, Ҳасрат. | *Иш-ҳаракат беихтиёр ҳаракат бўлганини, уни бажаришда бошқалар иштирок этмаганини таъ-*

кидлаш учун қўлланади. *Девор ўзи йиқилиб тушиди. Машина ўзи юриб кетди. Чироқ ўзи ўчиб қолди.*

3 Эгалик қўшимчаси билан келиб, ундан англашилган шахсни ёки нарсани таъкидлаш, унга диққат жалб этиш учун қўлланади. *Хатни секретарнинг ўзига беринг. Жавобини ўзимга айтасиз.* — *Неварали бобосиз-ку ўзингиз.* Ю. Шомансур. [Директор:] Мен, энг аввал менинг ўзим, ишга масъулиятсиз қарайдиган бўлиб қолдим. С. Аҳмад, Узун тил. Ойим ўзи шўнақалар, жажҳалари чикса, нуқул тарелка синоирадилар. Т. Алимов, Хиргойи. [Ҳошимжон ака:] Эҳтимол, бу мақол бунёда келганда газета ўзи бўлмагандир. О. Екубов, Бир фельетон қиссаси. | Шахснинг обрўйи, амалини таъкидлаш ёки бунга киноя билан ишора қилиш учун қўлланади. Директор ўзи айтди. — *Узлари секретарга «мен кетдим» дегандек қараш қилиб, кўнгиллари тусаган томонга равона бўладилар.* А. Муҳиддин, Тататхўжа.

◆ **Ўз бошига** мустақил равишда, ҳеч ким билан ҳисоблашмасдан. **Ўз сўзли** гапирган гапидан қайтмайдиган; бир сўзли, ўжар. **Ўзига келмоқ** 1) беҳушлик ҳолатидан чиқмоқ, хушига келмоқ. *Бу кунларда жангчи гоҳ ўзига келиб, гоҳ беҳуш бўлиб ётди.* А. Мухтор, Қанот жуфт бўлади; 2) ақл-хушини йиғиштириб олмоқ, асл ҳолатига қайтмоқ. *Матлуба узоқ хаёл сурди. Ўзига келганда, қўлида конверт, бир тахта қоғоз кўрди.* С. Абдуқахҳор, Ҳаётнинг бошланиши; 3) масалани тўғри тушуноқ, тўғри идрок қилмоқ. — *Айб менда, — деди Жўра дангал.* — *Ана энди ўзингга келдинг!* Н. Сафаров, Замон; 4) аввалги соғлигини, куч-қувватини тикламоқ. *У йўл четларида ўтирар, дам олар ва ҳол йиғиб, ўзига келгач, яна туриб, ҳаракат қилар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Ўзига олмоқ** бирор гапни ўзига тегишли деб билмоқ. *Ақбаров, унинг гапини ўзига олиб, хато қилганини энди сезди ва баттар оқарди.* П. Қодиров, Уч илдиш. **Ўзи(га) хон, ўзи(га) бек қ. хон.** **Ўзига-ўзи қилмоқ** нотўғри хатти-ҳаракат натижасида ёмон, оғир ҳолатда қолмоқ. *Ким сени шу ҳолга тушисин деди? Ўзингга ўзинг қилдинг. Ўзида йўқ бениҳоят, хаддан зиёд, жуда-жуда. Сизни кўриб, ўзимда йўқ шод бўлдим!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ўзидан кетмоқ** ўзини билмай беҳуш бўлиб қолмоқ, хушидан айрилмоқ. *Бера уни сой пастиса судраганда, Брюлин ўзидан кетиб қолди. Ундан кўп қон кетган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Ўзингиздан ўтар гап йўқ** ҳамма гап ўзингизга маълум, ҳаммасини ўзингиз биласиз. **Ўзини босмоқ қ. босмоқ** 10. **Ўзини йўқотмоқ қ. йўқотмоқ.** **Ўзини олдиarmoқ қ. олдиarmoқ.** **Ўзини тутмоқ қ. тутмоқ** 6. **Ўзини-ўзи еб қўймоқ** руҳий азобланиш натижасида озиб-тўзиб кетмоқ. **Ўзини-ўзи**

**еб қўйибди.** *Унга ёрдам бериш керак.* А. Мухтор, Тугилиш, **Ўзини қаерга қўйишни билмай қ. қўймоқ.** **Ўзини қўлга олмоқ** ҳаяжонланаётганини билдирмасликка уринмоқ, ўзини босмоқ, ўзини тутмоқ. **Ўзини қўлга олишга тиришиди.** **Ҳатто товушидаги ҳаяжонини сездирмасликка уриниб, аҳволни тушунтирди.** Ойбек, Кўёш қораймас.

**ЎЗАК** 1 Усимлик пояси ва илдининг кўпинча юмшоқ тўқимадан иборат бўладиган ички қисми. *Толнинг ўзаги.* | Илдиш меванинг ўрта қисми. *Сабзining ўзаги.* | *диал.* Дарахтнинг танаси, поя. *Ғуломжон ўрикнинг кекса, йўғон ўзагини ушлаб туриб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *тех.* Электромагнит ва ш.к.нинг ичига, ўртасига ўрнатилган қисм; стержень. *Электромагнит ўзаги.*

3 *грам.* Сўзнинг туб маъносини билдирадиган, бирор қўшимча олмаган қисми. *Уроқ сўзининг ўзаги — ўр.*

4 *кўйма* Бирор нарсанинг энг муҳими, асосий қисми. *Газета тарафдорларининг ташкилоти келгусидаги партиянинг ядроси, ўзаги бўлади.* «КПСС тарихи». | Бирор нарсанинг асоси, моҳияти. *Электрлаштириш — коммунистик жамият экономикасининг ўзагидир.*

**ЎЗАҚДОШ** *грам.* Бир ўзақдан ясалган сўзлар (бир-бирига нисбатан).

**ЎЗАҚЛИ** *грам.* Ўзақка эга, ўзаги бор. *Бир ўзақли сўзлар. Ҳар хил ўзақли сўзлар.*

**ЎЗАН** Сув оқиб ўтадиган узун чуқурлик; сув йўли. *Энди ўзандан бу ёққа ариқ чиқариш ва ҳовуз қазिश керак эди.* П. Қодиров, Қадрим. [Жамолнинг] кўз олдига зери-буғри Чирчиқ ўзани. *Ундан нарида — каттақон Тошкент.* С. Анорбоев, Мехр. *Зарафшон дарёсининг эски ўзанлари кўп.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

**ЎЗАРО** Икки ёки бир неча шахс ўртасида ёки бир гуруҳ билан иккинчи гуруҳ орасида бўладиган. *Ўзаро суҳбат. Ўзаро келишув. Ўзаро мусобақа. Ўзаро текиширув. Ўзаро низолар.* — *Иқтисодий ва сиёсий соҳада ўзаро ёрдамни амалга ошириш мақсадида, ЎзССР тене ҳуқуқли Совет Социалистик республикалари.. билан ихтиёрий равишда Иттифок давлатга бирлашган.* «ЎзССР Конституцияси». *Умри менинг ва гапларимни ўзаро маслаҳат деб тушунди, шекилли, юғуриб уйдан бир қоғоз олиб чиқди.* А. Қахҳор, Хотинлар. *Бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низоимиз сабаб бўлмакда, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Утган кунлар. || *Абдурасул билан Элмурод ўзаро маслаҳатлашгандай, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Танаффусда жангчилар ўзаро тортишдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.* | Бир-бирлари билан чиқишган, келинган ҳолда, биргалашиб; ўртада. *Шундан кейин бир неча ёр-дўстлари, тўй чиқимларини ўзаро устларига олишиб, уни уйлан-*

*тириш фикрига тушдилар.* А. Қодирий, Мехрордан чаён. *Яқин дўстлари уни ўзаро «Уришбой» деб аташар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Ўзаро** гап сиртга чиқарилмайдиган, ўз давранизда қоладиган ички гап, сўз.

**ЎЗАҒОН** Ҳаммадан тез югурадиган, ўзиб кетадиган. *Ўзагон бола. Ўзагон от.*

**ЎЗБЕК** қ. **Ўзбеклар.** *Ўзбек халқи. Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти.* — *Асқар ота Совет ҳукумати учун қурол кўтарган ўзбек аёлларидан Маърифатхон воқеасини эшитгандан бери унинг қабрини зиёрат қилиш ниятида юрган эди.* А. Қахҳор, Хотинлар.

**ЎЗБЕКЛАР** Ўзбекистон ССРнинг туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; ўзбек халқи.

**ЎЗБЕКЛИК** 1 Ўзбекка хос хулқ-атвор, характер. *Ҳақиқати енгиб келган ўзбеклик анъанаси Қатор йиллар кўрсатур ўз қудратин, ўз кучин.* Ф. Ғулом.

2 *айн.* ўзбекчилик.

**ЎЗБЕКЧА** 1 Ўзбекларга хос; ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданиятига ва ш. к.га оид. *Ўзбекча кийим. Ўзбекча одат. Ўзбекча татом.* || *Ўзбекча саломлашмоқ. Ўзбекча кийинмоқ.*

2 Ўзбек тили. *Ўзбекча(ни) биласизми? || Ўзбекча сўзлашмоқ.* — *Соқоли солдат чала-чулла ўзбекча билар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎЗБЕКЧАЛАМОҚ** с. т. Ўзбек тилида гапирмоқ. *Иккови бир-бирининг мудоасини сира тушунолмади. Охири хотин ўзбекчалаб тушунтиришга тиришди.* А. Қахҳор, Сароб. — *Йўқ, — деди милтиқчи киши, узоқдан ўзбекчалаб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЎЗБЕКЧАСИГА** *рәш* Ўзбекча, ўзбекларга хос ҳолда; ўзбекча қилиб. — *Ҳа, элатлар, аҳвол қалай? — деди лейтенант кулиб ва кўришгани қўлини узатди. Жангчилар ўзбекчасига кенг қучоқ очиб кўришдилар.* Ойбек, Кўёш қораймас. | Ўзбек тилида. *Ўзбекчасига бу нарсанинг оти нима?*

**ЎЗБЕКЧИЛИК** Ўзбекка хос урф-одатлар. — *Ўзбекчилик, тўй қилмасам бўлмайди. Янгича тўйларда нима хосият бор? Замонани қаранг: ҳамма нараса тўкин-сочин бўлса, ҳар уйда бешта-ўнтадан қўй, мол боқилса-ю тўйларимизни қуржмоқнинг нонушасига йхшатиб қўйсак. Ахир, ўзбекчиликка ярашадиган ишми бу?! — деди Азизга Пирназар.* Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

**ЎЗБЕЛГИЛАШ** *сиёс.* Халқнинг ўз миллати ва давлат тузумини ўз эрки, ўз хоҳиши билан белгилаш. *Миллатининг ўзбелгилаш ҳуқуқи.*

**ЎЗБИЛАРМОН** 1 Ҳамма нарсани ўзим биламан, деб ўйловчи, ўзига ортиқча баҳо берувчи; манман. *Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрадиган бу ўзбилармон одам, бу гал, жиндай ён беришга мажбур бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ўзи билганича иш тутадиган, бошқалар фикрига қўлоқ солмайди-



ган; ўжар, қайсар. *Мана шу шаддод, ўзбилармон қиз эрталабдан бери уйда.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЎЗБИЛАРМОНЛИК** ўзбилармон с. белги оти. *Хар бир ишни мен билан баҳамжihat қилинг, ўзбилармонликни кўтармайман.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЎЗБОШИМЧА** Бошқалар билан ҳисоблашмасдан фақат ўз эрки, ўз хоҳиши билан иш тутадиган. *Ўзбошимча бола.*

■ *Бунга Собировнинг ўзбошимча ҳаракати келиб қўшилган, Берди татарнинг тутуни осмонга чиқди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ўзбошимча қизга марҳамат йўқ.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Қўрқ, қуёш, яқиндир сени юганлаш, Миллон йил ўзбошимча кезувинг етар.* Ғ. Фулом. *Ҳозирги замон қизлари — бари ўзбошимча. Қадимги боадаб қизлар қаёқда дейсиз.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЎЗБОШИМЧАЛИК** 1 ўзбошимча с. белги оти.

2 Бошқалар билан ҳисоблашмасдан, фақат ўз хоҳиши билан қилинган иш ёки хатти-ҳаракат. *Луқмоннинг бевақт йил кетишига уасткадаги ўзбошимчаликлар зомин бўлди.* А. Мухтор, Туғлиш. *Узининг оиқ кўзи, ўтқир эҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан муҳожир, фалокатли манзаралар кўрар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сен, раис, умумий йиғилиш қарорини бузма, ўзбошимчалик қилма, ҳа, ёмон оқбатларга олиб келади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЎЗГА** 1 Нотаниш одам; бегона.— *Демак, Худойқул ўз жигарингиз бўлгани учун ўзгалардан кўра кўпроқ эзиб, уни оғир бир аҳволга солишга ҳақли экансиз-да? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзгага боқса кўзим кўр бўлсин, оқсин гавҳари, Қосаси тўпроқ била тўлсин, кўмилган яхшироқ!* Ҳабибий.

2 Шахснинг ўзидан ташқари одам, бошқа киши. *Узинда йўқ — ўзада йўқ.* Мақол. *Ёмон ўзини билмас, ўзгани кўзга илмас.* Мақол. ■ *Кув томондан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади.* *Ўзгалар — ёш-қари ҳаммаси шу икки аёлнинг белбоғига, этакларига ёпишди.* Ойбек, Кутлуғ қон. | (ч. к.-даги сўздан кейин) *Кўзда тутинган ёки тилга олинган киши ёки нарсадан ташқари, бошқа.— Мен Давлатёрдан ўзгани демайман, дейсан,— дедим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Минсанг бундан ўза илқинг йўқмиди.* «Аллопомиш».

3 Одатдагидан бошқача, ўзгача. *Боннинг ҳар бурчагида ўза бир лапофат; ариқларда сув қумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади.* Ойбек, Кутлуғ қон.

4 грам. эск. Учинчи шахс.

**ЎЗГАЛИК** 1 ўзга с. белги оти.

2 Шахснинг ўзига ҳос, бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти. *Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо вақиди*

ҳам катта ўзгаликлари бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎЗГАРИШ** 1 ўзгармоқ фл. иш оти. *Ундаги ўзгаришни кўриб, Хулкар ўзини тез ўнглаб олди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Қизда ҳам қандайдир ўзгариш бўлди.* Т. Расулев, Марҳамат.

2 Тараққиёт тарихида юз берадиган кескин бурилиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш; ўзгача, бошқача бўлиш. *Ижтимоий тузумнинг ўзгариши.* ■ *Аерар ислоҳотни кўзлаган ҳеч қандай кескин ва революцион чоралар, тўла социалистик ўзгариш юз бермаёунча қишлоқ хўжалигидаги ёлланма ишчилар синфини йўқота олмайди.* В. И. Ленин, Либералларнинг аграр программаси.

3 эск. айн. революция.

**ЎЗГАРИШМОҚ** ўзгармоқ фл. бирг н. **ЎЗГАРИШСIZ** Ҳеч қандай ўзгариш юз бермаган ҳолда; одатдагидай, эскича. *Гулдур-шалдир, тарақ-туруқ ўзгаришсиз давом этади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЎЗГАРМАС** Ҳамма вақт бир хил турадиган, ўзгармайдиган; доимий, абадий. *ЎзССР граждандарининг, миллати ва ирқидан қатъи назар ҳаётининг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир.* «ЎзССР Конституцияси». **Ўзгармас ток физ.** ўзининг йўналиши ва кучини ўзгарتماйдиган электр токи.

**ЎЗГАРМОҚ** 1 Бир ҳолдан бошқа ҳолатга ўтмоқ, бошқача тус олмақ, бошқа тусга кирмоқ. *Ҳаво ўзгарди. Баҳор келиб, табият ўзгарди.* ■ *Башират сингелисининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Боғлардаги чиллакилар чумак уриб, олма, ноклар, тиллақўнғиз ёпишган шафтоли ва олхўрилар ранги соат сайин ўзгаради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Моҳият жиҳатдан аввалгисига ўхшамаган ҳолатга ўтмоқ, мазмунан бошқача бўлмоқ. *Вазият ўзгарди. Ижтимоий тузум ўзгара боради.* ■ *Бахтимизга замон ўзгариб, Бундай яхши кунларга етдик.* Э. Раҳим.

3 Бир ўрнига бошқаси келмоқ, бошқаси тайинланмоқ. *Ўқитувчи ўзгарди. Бошиқимиз ўзгарди.* | *Бир ўрнига бошқа хили жорий қилинмоқ, бошқа хил билан алмашинмоқ.* *Ўзбек ёзуви бир неча марта ўзгарди.* | *Бошқача бўлмоқ, янгиланмоқ.* *Адресимиз ўзгарди. Унинг уст-боши ўзгариб қолди.*

4 Бошқа йўл ёки бошқа йўналиш бўйича ҳаракат қилмоқ, бошқа йўл ёки бошқа йўналишга кўчмоқ. *Маршрут ўзгарди. Амударё оқими тез-тез ўзгариб туради.* ■ *Шамол ўзгариб, ўнг томондан эсиб қолди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎЗГАРТИРИЛМОҚ** ўзгартирмоқ фл. мажх. н. *Тартиб ўзгартирилди. Эски план ўзгартирилди.*

**ЎЗГАРТИРИШМОҚ** ўзгартирмоқ фл. бирг. н.

**ЎЗГАРТИРМОҚ** ўзгармоқ фл. орт. н. *Кийимни ўзгартирмоқ. Вазиятни ўзгартирмоқ. Илмоқ қондаларини ўзгартирмоқ. Раисни ўзгартирмоқ. Адресини ўзгартирмоқ.* ■ *Кўзлари қислиб, мудрагандай ўтирган одамлар қиёфаларини ҳеч ўзгартирмай, бепарво бир тарзда тингладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уч марта жойимизни ўзгартирдик [деди Полвон].* Ойбек, Куёш қораймас.

**ЎЗГАРТИШМОҚ** ўзгартмоқ фл. бирг. н. *Ниҳоят, Йўлчи ҳам, Қора Аҳмад ҳам, мушт билан бир-бирларини енга олмасликка ишонч ҳосил қилишди шекилли, ҳаракатларини ўзгарттишди. Кучоқлашиб тортишди, бир-бирларини йиқувга интилишди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЎЗГАРТМОҚ** ўзгармоқ фл. орт. н. *Биринчи қор атроф манзарасини ўзгартиб, уларга янги йиқилар келтирган.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Эшон ва эшон аянинг ҳар бир гапни қаромат билан муридларнинг тушунчасини ўзгартмоқ, эшондан эътиқодини қайтармоқ осон иш эмас эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЎЗГАРУВЧАН** Бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир тусдан бошқа тусга тез-тез ўтиб турадиган, тез-тез ўзгариб турадиган. *Ўзгарувчан ҳаво.* || *Табият ўзгарувчандир. Ўзгарувчан ток физ.* йўналиши ва қуввати даврий ўзгариб турадиган электр токи.

**ЎЗГАРУВЧАНЛИК** ўзгарувчан с. белги оти. *Иқлимнинг ўзгарувчанлиги.* ■ *Осмон ўзининг бутун ёритқичлари билан бирликда доим ўзгарувчанлик намунасиدير.* «Астрономия».

**ЎЗГАРУВЧИ** ўзгармоқ 1 фл. сфтиш.

2 Бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир тусдан бошқа тусга ўтиб турадиган, ўзгарадиган. *Тез ўзгарувчи иқлим шароити.* **Ўзгарувчи капитал эк.** капиталнинг ишчи кучи ёллаш учун сарфланган қисми. *Меҳнат учумининг ошishi доимий капиталнинг ўзгарувчи капиталга нисбатан тезроқ ўсишини билдиради.* В. И. Ленин, Қарл Маркс. **Ўзгарувчи миқдор мат.** масала шартларига мувофиқ турли қимматга эга бўладиган миқдор.

**ЎЗГАЧА** Бошқаларига ўхшамайдиган, одатдагидан бошқача. *Бу қоядан қараганда водий ўзгача бир манзара касб этар эди.* ■ *Ниҳоят Отабекдаги ўйчанлик ва ўзгача ҳолларнинг кундан-кунга кучайиб бориши Ҳасаналини ҳалиги мулоҳазадан воз кечдириб, бошқа йўсинларни қаратмоққа мажбур этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қорхонанинг даргоҳи кенгайиб, фабрикалари, цехлари улканлашибди. Ишлар ҳам, одамлар ҳам ўзгача.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар. || *Хар бир янги учрашув бизни ўзгача қабул қилар.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

**ЎЗДИРМОҚ** ўзмоқ фл. орт. н. *Отни ўздирмоқ.*

**ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК** Ишни ўз холига ташлаб қўйиш; беғамлик, бепарволик. *Равшанки, ўзибўларчилик ғовлаб кет-*



ган жойда бутун куч ва ғайрат йиғим-теримга сафарбар қилинмаган. «Муштум», 1959, № 19.

**ЎЗИДАН-ЎЗИ** рвш Бировнинг таъсирисиз, кўриниб турган бирор сабаб бўлмаган ҳолда; беихтиёр. *Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар эди. С. Аҳмад, Лочин. Турсуной бўлса у судраган сари оғирлигини солиб, осмонга, узоқ-узоқларга қараганча ўзидан-ўзи гапирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. У [Низомжон] далада кезаркан, ўзидан-ўзи довдираб қизлар звеносига бориб қолар эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ЎЗИЧА** рвш 1 Мавжуд ҳолатини сақлаб, қандай бўлса шундайлигича, ўзгармасдан ёки ўзгартирмасдан, аслича. *Проект ўзича қолди. Текстни ўзича қолдирмоқ.*

2 Ўз ақли доирасида, ўз тушунчасига мувофиқ. *Ҳовлида кезиб юрган маст Салимбойвачча, ўзича фурсатни ва тасофиғни жуда қўлай топди. Ойбек, Қутлуг қон. Кумринисо бу қарашга ўзича маъно бериб, қизаргандай бўлди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

3 Биров билан келишмасдан, ўз хохиши билан; мустақил равишда. *Бундан йигирма кунлар бурун уста Олимнинг устакор билан нима учундир уришганлиги ва шундан сўнг ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлай бошлаганлиги англашиллар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Петьяка душман бостириб келаятганда, ўт очгани команда бермаган командирни хоин гумон қилиб, ўзича ўт очган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

4 Ўзидан-ўзи; ҳолича. *У шунда алланечук шавқланиб, ўзича кулимсираб эди. Н. Мақсудий, Юксалиш. [Иигит] қамчини кўтарди-ю, яна секин ёнига туширди. Чол буни сездими, ё ўзича: Чопкингиз келдими, йўлим? — деб сўради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Йўқ,— деди Элмурод яна ўзича,— менинг номус қилишимга ўрин йўқ». П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЎЗИШМАЧОҚ** Бирор нарса, масала юзасидан бахшлашув, ким ўзар, мусобақа. *Агар қовун ейладиган бўлса, Сайфулла билан Мастура ўзишмачоқ ўйнардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЎЗИШМОҚ** ўзмоқ *фл. бирг. н. Турғуннинг жаҳли чиқади: — Ўртоқ, юр, чопиб ўзишмиз,— дейди Мусага. Ойбек, Болалик.*

**ЎЗИШУВ** 1 ўзишмоқ *фл. иш оти. 2 айн. ўзишмачоқ. Яна турғун кеча қўйида муҳаббат можаролари, яна япроқлар орасида сирли шивирлашлар, яна гўзаллик ўзишувлари. Ф. Гулом, Соялар.*

**ЎЗИКОРАР** Ўзига ўрнатилган мотор кучи билан юрадиган. *Бобоевнинг батареяси душманнинг.. иккита ўзюкорар тўли ва бир батальон газандани йўқ қилиб ташлади. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.*

**ЎЗЛАШМОҚ** 1 Ўз кишиси бўлиб

қолмоқ, жуда иноқлашмоқ. *Ўзбек оймағини дали-ғуллигидан Офтоб ойма ва Кумуш унга жуда ўзлашиб олганлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Онгига етиб бормоқ, тушунарли бўлмоқ; сингмоқ. *Лекция тингловчиларга яхши ўзлашдимми?*

**ЎЗЛАШТИРИЛМОҚ** ўзлаштирмоқ *фл. мажх. н. Лекциялар яхши ўзлаштирилди. Мирзачўлда кўплаб янги ерлар ўзлаштирилмоқда.*

**ЎЗЛАШТИРИШ** 1 ўзлаштирмоқ *фл. иш оти. Техникани ўзлаштириш. Янги ерларни ўзлаштириш.*

2 Ўзига сингдириш, тушуниш, билиш. *Ўқувчининг ўзлаштириш даражаси.*

**ЎЗЛАШТИРМА:** ўзлаштирма *гап грам. ўзгаларнинг шаклан ўзгартириб берялган гапи.*

**ЎЗЛАШТИРМОВЧИ** Дарсларни тушуниб, ўзига сингдириб ололмаган, ёмон ўқийдиган; улгурмовчи. *Ўзлаштирмовчи ўқувчи. Ўзлаштирмовчилар билан қўшимча машғулот ўтказиш.*

**ЎЗЛАШТИРМОҚ** 1 ўзлашмоқ 2 *фл. орт. н. Дарсни ўзлаштирмоқ. Програма материалларини ўзлаштирмоқ.*

— Саидий бунга катта бир тақриз ёзиб, Улфатини пролетар мафкурасини ўзлаштириб етмаганликда айблади. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Фойдаланса бўладиган ҳолатга келтирмоқ, ишга яроқли холга келтирмоқ. *Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирмоқ.*

3 Бошқага қарашли нарсани ўзиники қилиб олмоқ, эгаллаб олмоқ. *Бировнинг китобини ўзлаштириб олмоқ. — Кейинчалик маълум бўлишича, Собиржоннинг чала қолган илмий ишини Салимхон ўз ишида ўзлаштириб юборган. Мирмуҳсин, Умид.*

**ЎЗЛАШТИРУВЧИ** Дарсларни тушуниб, билиб оладиган, яхши ўқийдиган. *Ўзлаштирувчи ўқувчи.*

**ЎЗЛИК** Ҳар бир кишининг ўз шахсияти, табийи ҳолати, вужуди, борлиғи. *Йигит бир он тикилди-да, кўзларини юмди; гўё унинг бутун ўзлигини Гулнор хаёли кучди. Ойбек, Қутлуг қон. Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоеи қил. Ҳамза.*

◆ **Ўзлик** нисбати *грам. иш-харақатнинг бошқа предметга ўтмай, бажарувчининг ўзида қоллиқлигини билдирувчи феъл формаси. Ўзлик оломиши грам. предметни аниқлаш ёки шахснинг танҳолигини таъкидлаш учун қўлланадиган кўз сўзи.*

**ЎЗМОҚ** 1 Тез юриб ёки югуриб олдиндаги ёки тенг кетаётган киши ёки нарсдан ўтиб кетмоқ. *Озгина юргандан кейин, тунқотар яёвлардан ўзди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Теримчи ёшлар кезар Бири ўзиб биридан. И. Муслим.*

2 Кўйма Бирор соҳа, иш ва ш. к. да бошқалардан устун чиқмоқ, ғолиб келмоқ. *Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Мақол. — Иш кетди қизиб,*

*Бир-бирдан ўзиб. М. Алавия. Ким ўзди 1) тез югуриш мусобақаси. Болалар ким ўзди ўйнашмоқда; 2) кўйма бирор фаолиятда бошқалардан устун чиқиш учун бўладиган мусобақа, бахшлашув. Пахта териш бўйича ким ўздида мен ғолиб чиқдим.*

3 Маълум бир ёшдан ошмоқ, улғаймоқ (умр, ёш ҳақида). *Умр ўзади, ҳусн тўзади. Мақол. — Ҳилолани кўрганингиз йўқ,— деди у [Замон] мўйлабини текислаб,— Ёши йигирма бешдан ўзиб қолган, ўрта бўй қиз. И. Раҳим, Ҳилола.*

**ЎЗОҒ:** ўзоғ(и) йили бултурдан аввалги йил. *[Уста Олим:] Мен сизга ўзоғи йили бир йигитнинг .. мен билан бирга ҳовлига келиб бир кун ётиб кетганлигини сўзлаб эдим, шеклими? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЎЗ-ЎЗИГА** Фақат ўзига қарата. *Шокир ота ишдан айрилмай, гўё ўз-ўзига дегандай, лекин асабий равишда сўзлай бошлади. Ойбек, Қутлуг қон. Ҳамза тик боқади ўлим кўзига, «Сен ёлғиз эмассан», дер ўз-ўзига. Ж. Жабборов.*

**ЎЗ-ЎЗИДАН** 1 Ўзидан, ўзи ўзидан. *Бир зум қараш билан юракка нақилланган унинг ҳеҳрасини яна кўз олдида жонлантиришга тиришиди [Йўлчи] ва: Қимнинг қизи у? Яна кўрармиканман? — деб ўз-ўзидан сўради. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Биров аралашмасдан, ёрдам бермасдан; бирор кимса ёки нарсанинг иштирокисиз, ўзидан-ўзи. *Ўз-ўзидан юрмайди қарвон, Пул керак, пул — дастлаб қарвон. Э. Раҳим. Қолхоз ташкил бўлгандан кейин менга ёзув-чизув ишига қарашиб юрган эди, бориб-бориб ўз-ўзидан секретарь бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ўз-ўзидан маълум изоҳ талаб қилмайди, аниқ, равшан. Тобут чўли ва ўлик тирноғи — буларнинг даҳшати ўз-ўзидан маълум. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЎЗ-ЎЗИЧА** рвш Худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай; фақат ўзи эшитадиган қилиб. *Девор устига чиқиб Гулсулма завқ билан тикилиб турган Абдурасул ўз-ўзича: — Азамат... азамат! — деди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўзидан-ўзи. Гулнорнинг шаънига бир-биридан аччиқ, ўтқир сўзларни ўз-ўзича минғирлайверди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЎЗҒИР** 1 Ҳаммадан ўзиб кетувчи, ўзагон. *Ўзғир от.*

2 Кўйма Илғор, зарбдор. *Бирдай сулув сиз икковлон, Пахтазорим ўзғирлари. Миртемир.*

**ЎЙ** 1 Бирор кимса ёки нарса ҳақида фикр юритиш, мулоҳаза қилиш жараёни; фикр қилиш, фикрлаш. *Унинг [Бектемирнинг] мардона очик пешанаси, қуюқ зейилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Йўлчи сукут қилиб, дам Қоратойга, дам Шокир отага тикилди. Уларнинг иккиси ҳам ўйга ботиб, бир нафас жим қолишди. Ойбек, Қутлуг*

қон. | Бирор кимса ёки нарса ҳақида ўйлаб қўйилган, миядаги мулоҳаза; фикр; ҳаёл. *Амалга ошмайдиган ўйлар. Ҳар хил ўйларга бормоқ. Ўйга чўймоқ.* — У [бой] ҳали бу тирмизакларни эслагандан ўйи чуваллишиб, ақли етмай қолган эди. Н. Фозлов, Оқим. *Ўйларимда чақирар мени Ўз ёнига қуёш, ой, юлдуз. Ҳ. Пўлат.* | Фикрий хулоса; ечим. *Онанинг барча ташвиши, ўйлари соғун кўпигидай учди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ўйга етмоқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб бирор хулоса чиқармоқ, фикрламоқ. Ўйчи ўйига етувчи, таваккалчи ишини битирар. Мақол. Ўй сурмоқ узоқ мулоҳаза юртмоқ, узоқ ўйламоқ. Иван Василч папиросини тутатиб одағича ўй суриб, хона ичида нари-бери юра бошлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 Фикран мўлжалланган режа, ният, мақсад. *Ишимдан хурсандман, энди битта-яримта насибди қўйилган хотин чиқиб қолса, уйлансам, деган ўйим ҳам йўқ эмас. А. Қаххор, Қўшчинор. Мена айтгин кўнелиндаги ўйингни, Айтгин, болам, борадиган жойингни.* «Равшан».

3 Фикрлаш қобилияти; ақл. *Бўйимиз етса ҳам, ўйимиз етмайди.* — Тўядай бўй берибди-ю, тугмадай ўй бермабди сенга! А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ЎЙДИМ-ЧУҚУР** айн. **ўнқир-чўнқир**. Фуломжон аллақачон кишлоқдан чиқиб, ўйдим-чуқур шаҳар йўлида ёлғиз борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга етди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.* | *Мана шу кўчларнинг узоқ муддат ҳаракат қилиши натижасида тоғлар емирилди. Даралар, жарликлар ўйдим-чуқурлар пайдо бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ЎЙДИМ-ЧУҚУРЛИК** айн. **ўнқир-чўнқирлик**. Йўлдаги ўйдим-чуқурликлар.

**ЎЙДИРИЛМОҚ** **ўйдирмоқ** фл. *мажҳ.* н. *Ертўла ўйдирилди.* — *Ҳар қайси устуннинг тағида катта мармар. Уларга жуда чиройли қилиб ҳар хил ёзувлар, ҳатто байтлар ўйдирилган. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ЎЙДИРМОҚ** **ўймоқ** I фл. *орт. н.* *Хон ҳаққимнинг ўз жонидан тўйдирди, Ҳақ талабнинг икки кўзин ўйдирди.* «Фольклор».

**ЎЙИЛМОҚ** I **ўймоқ** I фл. *мажҳ. н.* *Шўрликка йўл ўйилур. Мақол.* — *Унинг «қоятошини» юқори қисмига ғалати расмлар ўйилган. П. Қодиров, Қора кўзлар. Ўзининг ҳақли хизмати ваъзига хон томонидан зулм кўради — кўзи ўйилади.* «Гўрўғли».

2 **ўймоқ** I 1, 2, 3 фл. *ўзл. н.* *Неча қадм босганидан кейин муз ўйилиб остига тушиб кетишини билмас эди. А. Қаххор, Сароб.*

◆ **Осмон ўйилиб ерга тушмайди**

бирор нарса бўлиб қолмайди, ҳеч нарса қилмайди, деган маънода ишлатиладиган ибора.

**ЎЙИН** I **Кўнгил очиш, дам олиш** мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулоти. *Болалар ўйини.* — *Кўча туташ балчиқ бўлганидан балаларнинг ўйини тугул, юришига ҳам имкон йўқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Тўлқинжон . . ҳазил ва шўхликда, ҳар хил ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратарди. Ф. Мусажонов, Хури. Лой ўйини эрмак учун лойдан турли нарсалар ясаш. Раъно ҳовли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб уларнинг лой ўйинига иштирок этар, ер супуриб ётган соч ўримларининг тупроққа беланганидан хабарсиз эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.* **Ўйин бузуқи** 1) ўйиннинг боришига халақит берувчи, уни бузишга уринувчи; 2) айн. **иш бузуқи қ. бузуқи.** *Аҳмаджон сўраб оладиган нарсалари бор эдида: қай бола қандай ишляпти, энг яхшиси ким, ўйин бузуқиси ким, сўзга кирмаган болани нима қилиш керак? Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Кўнгил очиш, вақт ўтказиш воситаси бўлган нарса ёки кимса ҳақида.*

2 Бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қондалар асосида ўтказиладиган машғулоти. *Футбол ўйини. Шаҳмат ўйини. Эстафета ўйинида қизлар командаси ютиб чиқди.*

3 Уртага пул ёки нарса тикиб ўтказиладиган машғулоти; қимор. *Отан ўйин қизиғида ютқазини ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешанасини ёрди, ишгади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 Ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат; рақс. *Оёқ ўйини. Шўх ўйин. Қавказна ўйини.*

— **Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсинибини йўрғалай кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар** **Ўйинга тушмоқ** бирор рақсни ижро этмоқ. [Мастура:] *Вой, айланай, олифта йигит. Қизнинг ҳузурини сиз кўриб, олма-анорига биз ўйинга тушар эканмиз-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

5 с. т. Спектакль, концерт, цирк томошаси ва ш. к. ҳақида. *Булар театрнинг олдига келганларида ўйин бошланишига учинчи сигнал кўнғироқ ҳам берилган эди. Ойдин, Фонарь тағида.*

6 *кўчма* Бетартиб, бироқ ўзига хос жозибали ҳаракат (хайвон ва нарсалар ҳақида). *Шаббада ўйини. Қушлар ўйини. Ғазаб билан ҳайқариб бўрон, Балки қилар минг турли ўйин. Ғайратий. Ўйин тушмоқ* ёқимли ҳаракатлар қилмоқ, ўйноқламоқ. [Кўзиларнинг] *кичикроқлари жилға бўйида у ёқдан-бу ёққа югуриб ўйин тушишади. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

7 *кўчма* Қалтис ҳазил, ғалати қилиқ, инжиқчиқ ва ш. к. *Аччиқ ўйин ширин турмушини бузар. Мақол.* — *Ҳар ҳолда тақдирнинг бунчалик ўйинлари турган бир замонда биз нима ҳам қила олур эдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўйин қилмоқ* 1) кўнгил очиш

учун бирор ўйин билан шуғулланмоқ; 2) ажойиб ёки ғалати ҳаракатлар қилмоқ; рақсга тушмоқ; 3) *кўчма* бировни лақиллатмоқ, эрмак учун бивовга қаттиқ ҳазил қилмоқ.

◆ **Сўз ўйини қ. сўз.**

**ЎЙИНБОЗ** с. т. Бирор кўнгил очиш машғулотига, ўйинга қаттиқ берилувчи; ўйинчи. *Бир ёқда қизлар, сатта терилган сарвинозлар, ясанган таннозлар, ҳадис ўйинбозлар.* «Фольклор».

**ЎЙИН-КЎЛГИ** Кўнгил очиш йиғини, базм; хурсандчилик. *Босмачилар базмларига, ўйин-кулгиларига кўпинча созанда ва хонандаларни, аскиячи ва қизиқчиларни зўрлик билан олиб кетардилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Аммо Унсининг кўнгли ўйин-кулгини кўтармас, шодлик унга бегона эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЎЙИН-МАЗАХ** Кўнгил очиш воситаси; эрмак, ўйинчоқ. *Шаббаода ўйноқлаган шўх пирпирақдай, Унга ўйин-мазах экан бунда ҳар нима. Ғ. Фулом.*

**ЎЙИНХОНА** с. т. Бирор ўйин ёки томоша кўрсатиладиган жой (театр, цирк, кино ва ш. к.).

**ЎЙИНЧИ** I Рақсга тушувчи; раққос ёки раққоса. *Шўх йигитлар ўйинчиға хушмад қилар, қийқиришар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мажлиснинг шоирлари, ўйинчилари, чилдирма ва диторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Юсуфжон ака Фарғона водийсининг энг ўткир ўйинчи устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

2 Футбол, шахмат каби ўйинлардан иштирок этувчи; спорт мусобақасидаги бирор команда аъзоси. *«Пахтакор» ўйинчилари. Уста ўйинчи. Ўйинчилар ҳужумга ўтишди.*

3 *кўчма* Енгил, ёқимли ҳаракатлар қила оладиган, ўйнайдиган. *Яна қандай денг, энг ўйинчи, серпарвоз каттарларимдан ажралдим-да. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЎЙИНЧИҚ** айн. **ўйинчоқ**. *Хусайн Бойқаро набираси Мўмин Мирзони тиззасига олди.. белида камарга тақилган ўйинчиқ ханжарчасини томоша қилди. Ойбек, Навоий.*

**ЎЙИНЧОҚ** I Болаларнинг ўйнаши, овуниши учун хизмат қиладиган нарса ёки буюм. *Ўйинчоқ сотиб олмақ. || Ўйинчоқ машина.* — *Буvasи унга дадасига ўхшаб қўғирчоқлар, ўйинчоқлар, ҳар хил ҳайвонларнинг расми солинган китоблар олиб келиб бермасди. С. Анорбоев, Оқсой. Чиқарманг қурол, оқмасин қонлар, Китоб, ўйинчоқ беринг бизларга! И. Муслим.*

2 *кўчма* Бировнинг кўнгил очиш воситаси; эрмак. *Ташландиқ бу қизингиз, қўлма-қўл юрۇчи бу ўйинчоқ қизингиз килму, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатиши ким? А. Қодирий,*

Ўтган кунлар. Қимларнинг соф ҳаёти Қўлда ўйинчоқ. Ғайратий.

3 Кўчма Бировнинг хоҳишини сўзсиз, кўр-кўрона бажарувчи, итотгўй; кў-ғирчоқ. Мўғуллар ва уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлган . . амир Бурҳониддин ташеишига тушиб, бу даҳшатли халқ қўбғолонини бостириши ҳаракатида тушиб қолдилар. М. Осим, Маҳмуд То-робий.

**ҲИЙНҚАРОҚ 1** Вақтини доимо турли ўйинлар билан ўтказадиган, ўйинга берилган; шўх (болалар ха-қида). Қинотеатрнинг деворлари ба-ланд бўлса ҳам ўйинқароқ болаларга асло ҳалал бермасди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қуда бўлмишимиз остонамизни супуриб ҳол-жонимизга қўймаяпти; узатиб, ўйинқароқ қизи тушмагурдан тинчиб кўя қолсақмикан, деган ўйим бор. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.— Жўра деган бола сал ўйин-қароқ чиқиб қолди, ғўзага сувни ҳам ўша тошириб юборган,— деди Шоки-ров. Н. Назаров, Замон.

2 Ҳийн-қулги, шўхли билан ўтади-ган. Ботиралнинг бу ўйинқароқ йил-лари узоқ чўзилмади. С. Аҳмад, Ҳужм.

**ҲИЙЛАМОҚ 1** Фикр юритмоқ, фикр-ламоқ. Кўп йўла, оз сўйла. Мақол. — Аҳмаджон йўлаб ўтирмасдан дар-ҳол жавоб берди:— Граната таш-лардим, ёндириб юборар эдим. А. Қаж-ҳор, Олтин юлдуз. Одам.. йўлаб ўйин-нинг кетида етолмагач, бир кунни мени Олой бозоридаги Эргаш Шукров исмли бир баққол олдиға олиб борди. Р. Шермухамедов, Октябрь арафасида. **ҲИЙЛАБ ТОПМОҚ 1** Уйдирмоқ, тўқиб чиқармоқ (гап, баҳона ва ш. к.ни). Бирор баҳона йўлаб топмоқ. Бу гапни ўзинг йўлаб топдингми?; 2) ясамоқ, яратмоқ, ижод қилмоқ. [Мели полвон дуторға:] Сени йўлаб топган Афлотунни кўп ақлли одам ўтган дейди-лар-у, фақат ипингни узилмайдиган қилиб ясаша ақли етмапти-да. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Олдиндан ҳисоблаб, чамалаб, тахминлаб кўрмоқ; тусмоллаб гумон қилмоқ. Адашиш ёмон нарса. Адашиб қолмаслик учун эса қадамни йўлаб босиш керак. Ф. Мусажонов, Ҳури. Бир кўнгли бу гапни қози топиб кел-гандир деб йўлади. М. Исмонлий, Фар-ғона т. о.

3 Бирор кимса ёки нарсани хоти-рага келтирмоқ; хотирламоқ, ёдла-моқ, эсламоқ. Аксинча, ҳар кунни минг яшаб қувнаб Сен қилган ишлар-ни йўлайман, ўғлим. Ғайратий. Воқеа равшан эди. Энди Элмуродни йўлаб фикрга чўмди. Шухрат, Шинелли йил-лар. Юрагини ҳовучлаган кўёндек, Йўламади уйни, жойни, болани. А. Умарий.

4 Ният қилмоқ, умидида бўлмоқ. Ортиқ сал кўнглини юмишганда, гиламни унга ҳада қилиб, Суюма билан ярашиб олишни ҳам йўлади. П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 Бирор кимса ёки нарса ҳақида

ғамхўрлик қилмоқ, қайғурмоқ. Сиз мендан кўра қўйларингизни кўпроқ йўланг, чўпон ака! П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ҲИЙЛАМСИРАМОҚ** Бирор нарса йўлаётгандай бўлиб кўринмоқ, йўлаб хаёл сурмоқ. Алижон йўламсираб, [Холнисо холага] қараб тураан эди. Мирмуҳсин, Чиниқиш. Ҳайзи бир дақиқа йўламсираб, кейин таваккал қилиб, электр моторга ток улади. Ч. Сатторов, Изланиш.

**ҲИЙЛАНМОҚ 1** йўламоқ 1—4 фл. ўзл. н. Элмурод бир оз йўланиб туриб, охири сўрағига жазм қилди. П. Тур-сун, Ўқитувчи. Йўланиб, бир сесканиб турди, Такрорлади айтганларин. Э. Раҳим.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақида фик-ран мулоҳаза юритиш билан банд бўл-моқ. [Хулқар:] Мунча йўланиб кет-дингиз? П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ҲИЙЛАНТИРМОҚ** йўланмоқ фл. орт. н. — Дабдурусдан кинога таклиф қи-лишим Холдани йўлантириб қўйди, — деди Эркин. У. Ҳошимов, Хаёл-ларга бўламан тутқун. Ҳўжақишлоқ-даги фитна, хотинлар ва тирикчи-лик тўғрисидаги миш-мишлар, яқка-хўжаликларнинг бу қилмишлари кол-хозчилардан бир қисмини йўлантириб қўйди. А. Қажҳор, Қўшчинор

**ҲИЙЛАТМОҚ** йўламоқ 1 фл. орт. н. Бу ёқнинг жуда ҳам чуқур олиб борил-гани Алим бувани қаттиқ йўлатиб қўйди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Назокатнинг луқмалари ҳеч кимга ёқмай, эътиборсиз қолаётган эди, бу гапни хотинларни йўлатиб қўйди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҲИЙЛАТТИРМОҚ** йўлатмоқ фл. орт. н.

**ҲИЙЛАШИМЧА** кириш с. Тахминий фикримга биноан, менинг тушунишим-ча. Йўлашимча, ҳеч ким билмаганда ҳам, сирни йўлан Содиқнинг онаси билса керак эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲИЙЛАШМОҚ** йўламоқ фл. бирг. н. Қаранг, ўзлари кўрчоғу, сизу биздай йўлашиб, неппа-нозик сўйлашади. М. Исмоний, Фарғона т. о. Бу фик-рим сенга маъқул тушадими, йўқми, ҳар ҳолда энди узоқ йўлашиб ўтир-майлик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲИЙМА 1** Ерни йўлаб ясалган. Ҳийма тандир. — Уртада, ўйма ўчоқда кат-та ҳўл тўнка уйни қуюқ тутунга тўл-дириб бурқсиб ётади. П. Турсун, Му-аллимнинг тонги.

2 Сиртини ўйиб, қириб ёки зарб қилиб ишланган. Ҳийма ёзув. Ҳийма расм. Ҳийма ганч. Ҳийма гулли муқова. || Шкаф нақшининг йўмалари. — Ҳав-ҳар ойна устига солинган катта бир йўма нақи олдида Маҳкамни тўхтат-ди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Қоғозни усти йўма гулли чарм жуздонга тиқиб, қалин китобни варақлиша бошлади. Ойбек, Навоий. Узангиси йўма олтин, Куйишқони қўйма олтин. «Фольк-лор».

**ҲИЙМАҚОР 1** Тахта, ганч, мрамор ва ш. к.га ўйиб нақш солувчи уста.

2 Ҳийб, зарб қилиб ишланган; ўйма. Олтин куббачалар, йўмақор гуллар би-лан безанган вишикни очиб, кичикроқ, лексин серҳашам бир хонага кирди. Ойбек, Навоий. Унинг [Абдулла Бол-таевнинг] қўли билан қилинган йўма-қор нақшлар эскизи 1937 йили Париж-да очилган санъат виставкасида ҳам юккак баҳо олди. С. Қодиров, Қирқ китобнинг тўрт саҳифаси. Тавақала-ри кенг, очиқ тураан йўмақор шамшод дарвоза Ҳасан овчини қаърига тортиб, ютиб юбормоқчидай. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Шамол йўмақор даричанинг тавақаларини бир бирига уриб, тарақ-туруқ билан ёнди. Ойбек, Навоий.

**ҲИЙМАҚОРЛИК 1** йўмақор 1 с. касб. оти. Ҳиймақорлик билан шуғуланмоқ. | Бирор нарсага ўйиб нақш солиш хунари. Ҳиймақорликнинг чўққисига чиққан Худойберган муҳрконни ҳам албатта эслашади. Ж. Шарипов, Хо-разм. Уста амаки йўмақорликдан бў-лак, бошқа устахоналар учун қоғозга нақш ва гуллар ҳам чизиб берарди. Айний, Эсдалиқлар.

2 Бирор нарсага ўйиб ишланган нақш, тасвир ва ш. к. Болалар чизган суратдай соддагина йўмақорликларда.. ҳайвонлар, .. одамлар тасвирланган. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ҲИЙМАЛАМОҚ 1** Ҳийб ташламоқ, ўйиб чуқурчалар ҳосил қилмоқ. Бо-лалар ҳовли юзини йўмалаб ташлашиб-ди.

2 Устма-уст чимчиламоқ.

**ҲИЙМАЛАТМОҚ** йўмаламоқ фл. орт. н.

**ҲИЙМОҚ 1** | Бирор нарса билан кав-лаб чуқур ҳосил қилмоқ; кавламоқ. Ерни йўмоқ. Деворни йўмоқ. — Тир-ноқ-ла ер йўиб, сувлар оқизган Ғариб-лар аҳволи қоларди тангага. Ғайратий. | Бир қисмини кавлаб ажратмоқ. Мен ҳам лип этиб хўжрага кириб, хумчадан ёғ йўиб олдим. Ф. Ғулум, Шум бола. | Бирор нарсани кавлаб ажратмоқ, ўр-нидан ситиб чиқармоқ. [Элгелди:] Мана шу ёлғиз қўлим билан малъун Жапақ-нинг кўзини йўман. А. Мухтор, Қора-қалпоқ қиссаси.

2 Кавлаб, кесиб ёки зарб қилиб бирор сиртга из туширмоқ, нақш сол-моқ. Сунгача бир нарча ганча, Нақ-қош ўяр сўнги нақшини. Э. Раҳим. Ислохўжа усталар билан саломлашиб, мрамор тоша Оаҳий шёнларини йўётган Худойберган муҳркон олдиға борди. Ж. Шарипов, Хоразм. [Солижон] такрорлайди дарсларин, Қўздан тугал ўтказар, Тоша йўган хат каби Пух-талаб дилга ёзар. Қ. Мухаммадий.

3 Бирор нарса билан уриб, кесиб ёки қирқиб тешмоқ. Музни йўмоқ. Искана билан ёғоч йўмоқ. | Зарб билан урилиб ёрмоқ, тешмоқ, тешиб ичкари кирмоқ, ботмоқ. Ерга қомета йўиб кирди. — Тош учланган қирраси билан бекнинг бошига тушиб, ярмигача йўиб

кириб кетди. А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

4 Ювиб ёки учириб емирмоқ, чуқур ҳосил қилмоқ. *Шамол қоя остини ўйиб юборибди. Хайқириб оққан сув, дарё қирғоқларини ўйиб туради.*

5 *кўчма* Қаттиқ чимчиламоқ. *Роҳила [қизининг] биқинини ўйиб олади.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

◆ **Ўйиб олмоқ** аламли гап билан узиб олмоқ, «тузламоқ». *Алим бува мингбошини яхшилаб ўйиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲИМОҚ II** Унча катта бўлмаган чуқурлик; чуқурча.

**ҲИМОҚ III** *диал.* Ангишвона.

**ҲИНАЛМОҚ ўйнамоқ** 2, 7 *фл. мажх. н.* Уч партия шахмат ўйнайди.

**ҲИНАМОҚ I** Шўхлик қилиб вақт ўтказмоқ; эркин ҳолда нима биландир шуғулланмоқ. *Шу ўртада ўйнаб юрган Раъно югуриб келиб, Моҳлар ойимнинг бағрига кирди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Хай, қуён, оппоқ қуён, Кел мен билан ўйнагин. Чопқиллаб у ён-бу ён, Боғчамизда қувнагин.* И. Муслим. | *Ўйин-кулги, хушчақчақлик билан вақт ўтказмоқ, хурсандчилик қилмоқ. Умр азиз, олтин — асримиз, Арзир бунда ўйнасанг, кулсанг.* Т. Тўла. | Сайр-томоша қилмоқ, саёхат қилмоқ. *Болалар тоққа бориб ўйнаб келдилар. Биз Москвада роса ўйнадик. — Салимбойвачча Искобилда икки ҳафтагина ўйнаб қайтиб, кейин Петербургда жўнамоқ мақсадида эканини гапирди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Кўнгил очиб, вақт ўтказиш ёки эрмак учун маълум қонда ва усуллар билан ижро этиладиган ўйинлар билан шуғулланмоқ. *Ёнғоқ ўйнамоқ. Қоптоқ ўйнамоқ. Бильярд ўйнамоқ.* | Бошқалар билан куч синашмоқ, мусобақа учун спортга оид баъзи ўйинлар билан шуғулланмоқ. *Шахмат ўйнамоқ. Футбол ўйнамоқ.* | Уртага пул тикиб, уни муайян қондалар асосида ютиб олиш учун ҳаракат қилмоқ. — *Сиз билан ўйнамасан, ким билан ҳам ўйнайди, — деди гап оҳанеини ўзгартириб [Турди-мат чўтал], — товва пуккани ейди, олич чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Тана, оёқ, қўл ва қош-қўзларини кўйга муқобил ҳолда ҳаракатлантирмоқ; рақс тушмоқ. *Бу жувон тановарга жуда яхши ўйнайди. — Раис шавқ-завқ билан ўйнаб, даврани бир неча марта кезиб чиққач, пилдираб бир айланди-ю, бехосдан Урмонжонга ташланди.* А. Қаххор, Қўшчинон. *Уртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнарди.* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Саҳна асарига бирор ролни ижро этмоқ. *Гулсин кувё ролини ўйнар, Хонимбиби Кумуш роланда, иккисининг бир-бирисига қараб ўқишган лапарлари бирчани кўлдириб, ичакларни узар даражада.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Ниманидир қўлда ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ ва ш. к. *Полвон*

*тош ўйнади. — Шарифжон терган пахтасини чангалида ўйнаб, гоҳ у, гоҳ бу қизга совға қиларди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. *Усмонжон, қўлида ниманидир эзгилаб ўйнаб ўтирган Адолатга қаради.* С. Зуннунова, Гулхан.

6 Бировга гап, сўз билан тегишмоқ; ҳазил қилмоқ. *Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!* Мақол. — *Бугун бўлса [Кумушининг] ўйнаб айтган сўзи жавобсиз ҳам қолдирилиб, бу ҳол яна унинг миъясини қотирди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

7 *кўчма* Турли-туман, шўх, ёқимли ҳаракат қилмоқ (жонивор ва нарсалар ҳақида). *Ховузда балиқлар тиниқ сувни тўлқинлатиб ўйнайди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Чайқалади денгиз беором... Оқ чечакдек кўпиклар ўйнар.* Ғайратий. *Духоба гулларга дудоқ тегишиб, Ҳар саҳар шабада ўйнаб ётади.* Уйғун. | Тебратмоқ, силкитмоқ, пирпиратмоқ. *Осилиб тушган мажнунтол кокиллари сой сувлари тинмай ўйнайди. — Бир меёрда силкитиб бораётган вагонларда йўловчилар мириқиб ухлар, ошққ деразалардан эсатган майин тун шамолни шойи пардаларни учуриб ўйнарди.* С. Абдуқаххор, Янги беш йиллик тўнғичи.

8 *кўчма* Қўрқ, гўзаллик акс эттириб ҳаракатланмоқ, пирпирамоқ, диркилламоқ. *Қизнинг қош-қўзлари ўйнайди.*

— *Унинг [Инобатнинг].. озиб, кичкина бўлиб қолган юзи, узун киприклари ҳаяжон билан ўйнар эди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. *Лаъли паранжи-чачвонини оппоқ биланга ташлаб, севганига термилиб қолган; қора атлас кўйлагини туртиб чиққан қабарик кўкраги бекин талба қилар даражада ўйнаб турибди.* Ҳ. Фулом, Машғал. | Бежо ҳаракатланмоқ. *Мирзакаримбойнинг ранги ўчди, кўз оқлари даҳшатли равишда ўйнаб кетди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Раҳмонқуловнинг жағи ўйнаб кетди-ю, сўз тополмади чоғи, атрофдагиларга бир алангел Бўрибоевнинг орқасидан эшикка юрди.* А. Мухтор, Тугилиш.

9 Тепасида, боши узра ҳаракатга келмоқ (уриш ёки дўқ-пўписа қилиш пайтида). *Ясаулларнинг қамчилари қазувчиларнинг бошларида ўйнайди.* Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. *Ҳар кун бошимда болталар ўйнар... К. Яшин, Гулсара.*

10 *кўчма* Жилоланиб, товланиб акс этмоқ. *Безакларининг брильянт кўзларида нур ўйнарди. — Қўшча кунгурали бинолар, Қуббаларда ўйнайди қуёш.* Э. Раҳим. *Тераклар учуда ўйнар қизил нур.* Ғайратий. *Ой нурлари анҳор сувида жилғаланиб ўйнамоқда.* Ж. Шарипов, Саодат. | Жўзибали акс этмоқ, барқ урмоқ. *Қўзида шодлик ўйнарди. — Уларнинг секинчлари тўлиб-тошиб борар, икковларининг ҳам чехрасида табассум ўйнарди.* М. Жалолитдинова, Кейнроқ. *Хулкарнинг оч жигар ранг*

*ёноқларида ажиб бир қизиллик ўйнайди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

◆ [Бировнинг] ноғорасига ўйнамоқ қ. ноғора. *Юраги ўйнади қ. юрак I. Қаллиқ ўйнамоқ этн.* расмий никоҳ тўйидан аввал бўлажақ келин билан яширин учрашиб турмоқ.

**ҲИНАТИЛМОҚ ўйнамоқ** *фл. мажх. н.* Циркда турли ҳайвонлар ўйнатилди.

**ҲИНАТМОҚ ўйнамоқ** 1—6, 8—10 *фл. орт. н.* [Анвар] ўқишдан бўшаган вақтини Раънони ўйнатиб кечирар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қуноқ юрак, ўйнат созингни, Шеърим селдай қулолсин, оқсин.* Ғайратий. *Холбекдай йигитга вафо қилмаган хотинчанг, сени ҳам маймун қилиб ўйнатади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ҲИНАШ I ўйнамоқ** *фл. иш оти.* *У жуда зеркиб, нима ўйин ўйнашини, ким билан ўйнашини билмас эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кўчма* Никоҳсиз яқин муносабатда бўлувчи эр киши ёки аёл (бир-бирига нисбатан). *Ўйнашга ишониб эрсиз қолдим.* Мақол. — *Расми, қиз бузилса, уни ўз ўйнашига беришди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бўронбек ўйнашининг чинакам гўзаллигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, отига қаради.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ҲИНАШЛИК ўйнаш** 2 с *мажх. орт.* *Ўйнашлик қилмоқ. — Одамнинг шундай хотини бўлса, боласи бўлса-ю, бировларнинг хотини билан ўйнашлик қилса-я.* И. Ақром, Адолат.

**ҲИНАШМОҚ I ўйнамоқ** 1—8 *фл. бирг. н.* *Кетишдилар қувлашиб, Ўйнашиб кула-кула.* Т. Тўла. *Болалар ҳар кунда ошққ ўйнашмади, .. китобчаларни томоша қила бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Умаралининг Дадажон билан гап ўйнашиб ўтиргиси йўқ эди.* И. Раҳим, Ихлос. *Шабада ҳам тезлашиб, болаларнинг сочлари ва галстуклари билан тинмай ўйнашмоқда.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ўз никоҳида бўлмаган одам билан яқин алоқада бўлмоқ. *Урмонжон Қанизак билан ўйнашиб юргани ошқора бўла бошлагандан кейин, одамларнинг кўзини чалғитиш учун.. Қанизакни урдирган ва ҳоказо ва ҳоказо.* А. Қаххор, Қўшчинон. *Нима қилишини бечоралар, ўйнашмаса, гулдай умрлари бекор ўтиб кетсал!* Унақалар фарзанд учун эмас, кўнгал хушлиги учун қилишади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲИНОВЧИ ўйнамоқ** 1—6, 8—11 *фл. сфтид.* [Ермат] чағир-чуғур қилиб, ошққ ўйновчи маҳалла болаларини зириқтириб қувлайди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҲИНОҚ** *поэт.* 1 Тез ва енгил ҳаракат қиладиган; шўх. *Шаҳарнинг қалби Тўлқин бошлайди, Ўйноқ сувлардек.* Уйғун.

2 Завқ-шавқ бахш этадиган; енгил, шўх. *Кунлар келар, ўйноқ созингиз Севгиларни қилур тарона.* Ғайратий.

◆ **Юрак ўйноғи** қ. юрак 1.

**ҲУНОҚИ 1** Тинч турмайдиган, серҳаракат; шўх. *Ҳуноқи бола. Ҳуноқи от. Ҳуноқи каптар.* — Қа, ҳа, аҳнда шундай Ҳуноқи бир қиз чиқиб қолади,— деди кулиб дукчи. Ойбек, Улуғ йўл.

2 *кўчма* Енгил ва ёқимли; шўх. Баҳорнинг Ҳуноқи еллари. — Машинанинг дарчасидан кираётган Ҳуноқи шабада дилларни қитиқлайди. Т. Раулов, Мархамат.

3 Завқ-шавқ бахш этадиган; шўх. Пешинга яқин духовой оркестр ҳам келди, мактаб саҳнида Ҳуноқи машқларини дамбадам гўмбурлата бошлади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Сафарда ҳамроҳларига латифалар, Ҳуноқи қўшиқлар айтиб кўлдириб юради. М. Осим, Элчилар. Бир оздан сўнг Хоразмнинг Ҳуноқи куйлари чалиниб, шўх лазги бошланди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Завқ-шавқ Ҳуноқадиган, силлиқ ифодаланган, чиройли. *Ҳуноқи шеър.* — Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга қафан кийгизади, ҳар қанақа Ҳуноқи мазмунни тахтага тортади. А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

4 *кўчма* Оёғи енгил, суюқ.— Поччаннинг феъли-атворини биласан-ку, Ҳуноқдай енгил, Ҳуноқи,— деди Ҳалима. Ҳ. Назир, Ҳўглр туташганда. || Индамаса, ҳали замон . . қизим шўрликни Ҳуноқига чиқарарсиз. Ҳўғлим қизини Ҳўқисин, артист бўлсин, деган. С. Кароматов, Ҳижрон.

5 Ҳўйин-кўлгини яхши кўрадиган; шўх. Қайта ёшариб кетган Ҳуноқи хотиннинг жозибадор ҳаракати Баротнинг ҳеҳрасини тагин ҳам очди. Н. Мақсудий, Юксалиш.

**ҲУНОҚИЛИК Ҳуноқи** с. белги оти. Отнинг Ҳуноқилиги. Музиканинг Ҳуноқилиги.

**ҲУНОҚЛАМОҚ 1** Тинч турмай, турли ҳаракатлар қилвермоқ, Ҳўнаб кетмоқ, ирғишламоқ. *Қўзичоқлар Ҳуноқлайди.* — Кўён боласи Ҳуноқлаб, оёқларини осмонга отиб югурар эди. Ҳ. Тўхтабоев, Шошқалоқ. [Балиқ] гоҳ Ҳуноқлар, гоҳ орқаси билан ётар, билтанеларди. Ж. Шарипов, Хоразм. «Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, Ҳуноқлаб кетаверди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Шўх ҳаракат қилмоқ, Ҳўнамоқ. *Шеърда Чирчиқ дарёсининг Ҳуноқлаб оқиши, табиат манзарасининг тасвири ортиқча.* Э. Охунова, Пахтазор куйлари.

3 с. т. Ноз-ниша қилмоқ.

**ҲУНОҚЛАНМОҚ Ҳуноқламоқ** фл. Ҳўз. н.— Умидим фақат сендан,— Ҳуноқланди кампир. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҲУНОҚЛАТМОҚ Ҳуноқламоқ** фл. орт. н.

**ҲУНОҚЛАШМОҚ Ҳуноқламоқ** фл. бирг. н. Розимиз Шўродан, озод этди қўлликдан бизни, Шодликдан рақс этиб, Ҳуноқлашиб, сакрашамиз. Ҳамза.

**ҲУЧАН 1** Ҳў билан банд бўлган, Ҳўга чўмган. У шундай Ҳўчан, паришон ҳолатда булоққа яқинлашди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. | Ҳўга, хаёлга кўп бериладиган; Ҳў, хаёл билан доимо банд бўладиган. *Ҳўчан қиз.* — Бу ёлғиз ҳорғинликдан эмас, икки кун ичида кўрганлари уни қандайдир Ҳўчан, камгап қилиб қўйганди. Ойбек, Кўёш қораймас. || Нигора юлдузларга Ҳўчан тикиларкан, киприкларида Ҳўша юлдузлардек жилваланувчи ёш томчилари қотди. С. Анорбоев, Оқсой. Болаларникидай кулимсираган жуда жонли ва . . қоп-қора кўзлар дафтарлар устида Ҳўчан югуради. Ойбек, Нур қидириб. | Ҳўга чўмганлигини акс эттириб турган. Чол Ҳўглининг Ҳўчан кўзларига термилиб, Ботиралидан гапира кетди. Ҳ. Ҳўлом, Машғал. Исроил Норматнинг Ҳўчан юзига қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Тинч ва сокин; худди хаёл сургандай. *Ҳўчан оқшомлар! Салқин қаюмлар! Нашъага элтар.* Шайхзода. || Мунча сокин, Ҳўчан оқади Волга — руснинг азим дарёси. Ҳўзанига сизмай қалқади Она руснинг меҳриғиёси. Ё. Мирза.

**ҲУЧАНЛИК Ҳўчан** с. белги оти. — Лекин,— деди Адолат Ҳўчанлик билан,— дадамга ҳали кўринганим йўқ. С. Зуннунова, Гулхан.

**ҲУЧИ** Ҳўга, хаёлга кўп бериладиган ёки кўп Ҳўлайдиган киши. *Ҳўчининг Ҳўи битунча, таваккалчининг иши битади.* Мақол.

**ҲУКИЛ** этн. Никох пайтида йигит ёки қиз томонидан қафилликка Ҳўтувчи, вакиллик қилувчи киши, вакил. *Ҳукил ота. Ҳукил она.* — [Аваз:] Мен сизни бўлак одам деб туриб эдим, мен гапу авзойингиздан билдим: отамнинг Ҳўкил энаси экансиз. «Балогардон».

**ҲУКИН:** Ҳўкинга тушмоқ Ҳўкинмоқ, афсусланмоқ. Тракторчилар Анор ака келганда, ҳазиломуз кутиб олган бўлсалар, унинг бу гапидан кейин хонадагилар бир-бирига қароб қўйишди. «Ҳўкинга тушганки, келган-да,— деди кимдир ёнидаги шергизга пичирлаб. С. Маҳкамов, Қатта рулда.

**ҲУКИНМОҚ** Бирор нарсадан пушаймон бўлмоқ, афсуз қилмоқ, афсусланмоқ; ачинмоқ. *Баҳодир ноҳўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ Ҳўкинар, лекин иш Ҳўтан эди.* М. Жалолитдинова, Кейинроқ. | У[Мурзоқ], иш билан овора бўлиб кетиб, кечадан бери Ҳўга келолмаганидан Ҳўкинди, Ҳў-Ҳўзини бепарволикда койиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Дарбадарликдан, Ҳўзимнинг симобдай беқарор саяқлигимдан жуда Ҳўкинар эдим. Ҳ. Ҳўлом, Шум бола. | Ҳафа, ғамгин бўлмоқ; ачинмоқ. Адолат фронтдан хат келганига Ҳўрсанд бўлди. Ҳўрсанд бўлди-ю, Нуртатни, Олимжонни эслаб Ҳўкинди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҲУКИНТИРМОҚ Ҳўкинмоқ** фл. орт. н. Титраб ва тўққинланиб ай-

тилган бу сўзлар Отабекни Ҳўкинтирди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**ҲУКИНЧ** Бирор кўнғилсиз воқеа, ҳодиса ва уни тузатиб бўлмашлик туйғуси туфайли юз берадиган ғамгинлик, хафалик; афсусланиш, афсус; ачиниш.— *Кўвончми, Ҳўкинчми, билиб бўлмайдиган аллақандай бир ҳис ичимни тиндалайди,— деди йигит.* С. Аҳмад, Таъзим. *Зумрад бу сўзларни шу қадар Ҳўкинч, ажабланиш ва даҳшат билан айтдики, Самандарнинг кўзларидан дув ёш чиқиб кетишига оз қолди.* С. Кароматов, Қалбимда кўёш. *Ёрмат ёшли кўзларини йилтиратиб, Ҳўкинч билан бошини тебратиб турди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҲУКИНЧЛИ** Ҳўкинч ёки афсусланиш ҳисси сезилиб турадиган, Ҳўкинч ифодаловчи.— *Мен бечора.— деди Исқандаро Ҳўкинчли товуш билан.* Ойбек, Нур қидириб.

**ҲУКИРИК** Қаттиқ йиғи овози. *Ойимбиби бу Ҳўкириқдан бир чўчиб тушди, кейин шошилиб Ҳўриқдан, турди-да, оиҳонага кириб кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. [Ҳўққул ота] юрагининг бир парчаси узилгандай, сийнасидан қаттиқ Ҳўкирик чиқаркан, *Зўҳра буви кўрқувдан эсини йўқотгандай бўларди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси.

**ҲУКИРИШМОҚ Ҳўкирмоқ** фл. бирг. н.

**ҲУКИРМОҚ 1** Кучли овоз чиқариб йиғламоқ; Ҳўнграмоқ. *Кутилмаганда Рихси холининг кўнгли юмишад-ю, Ҳўкириб йиғлаб юборди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Бақирмоқ, бўқирмоқ (йирик ҳайвонлар ҳақида). *Қафасдаги шер Ҳўкириб юборди.* — Оғир юкли туялар нола қилгандай, узун бўйинларини осмонга кўтариб Ҳўкирарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *кўчма* Қаттиқ овоз чиқармоқ, қичқирмоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Ташқарида шамол қамон Ҳўкирар.* М. Жабборов, Севинч ёшларни. *Ҳўкириб тўхтади сўнги замбарак, Жаҳаннам худоси қаҳ-қаҳдан тинди.* Ҳ. Ҳўлом.

**ҲУКИРТИРМОҚ Ҳўкирмоқ** фл. орт. н.

**ҲУКРАМОҚ** Ҳўнграб йиғламоқ, Ҳўкирмоқ. *Эй худо, нима гуноҳ қилдим мен сенга! Бошини столга қўйиб, Ҳўкраб йиғлаб юборди Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан. *Марзия бўш стуларга тикилиб . . Ҳўкраб йиғлабди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҲУКРАНМОҚ** Эркаланиб босиқ овоз чиқармоқ; пишқирмоқ (от ҳақида). *Қашлагани отга ёқиб қолибди, Ҳўкраниб у гир айланиб турибди.* «Алпомыш». *Куйни тушуняётгандай отлар ҳам жим, Ҳўкранмас, Ҳўкизлар ҳам кави қайтармай, . . пиш-пиш нафас олиб, жим турардилар.* Н. Фозиллов, Оқим.

**ҲУКСИЗ 1** Ота-онасиз, етим. *Ҳўксиз болалар.*

2 Бирор ёрдам берадиган кишичи йўқ; ҳимоясиз, бахтсиз, бечора, Ҳўксик. [Маҳкам:] *Бу қандай зўравонлик! Қўла-*



-оғимизда кишан! Ўқсиз она! Бахтсиз Иқболдай. Миршаддан калтак еди-я! Н. Сафаров, Уйғониш.

3 Ғам ва ҳасратни ифодалайдиган; ғамгин. Умидсизлик, ўқсиз руҳ уни [Маъшадийни] бир зум ҳам тарқ этмайди. Ойбек, Навоий. Томда каттарларнинг ўқсиз «ху-ғу», ху-ғуларини эшитилиб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎКСИЗЛАНМОҚ** Ачиниб афсусланмоқ, хафа бўлиб қолмоқ, ўқсизмоқ. У [Бектемир] дадаси кетидан томошага . . боролмай қолган боладек, ўқсизланди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЎКСИЗЛИК** ўқсиз с. белги оти.

**ЎҚСИҚ** 1 сфт Бирор нарсдан афсусланиб хафа бўлган, эзилган; ғамгин, қайғули. **Ўқсиқ кўнели.** — Гўдақнинг ўқсиқ йиғиси Ойша опага қаттиқ таъсир этди. М. Исмоилий, Озодлик гулини ҳидлаган киши.

2 от Бирор нарсдан афсусланиб хафа бўлиш туйғуси; хафалик, ғам, қайғу. У [Хури] кўкрагини тўлдириб хўрсинди. Қалбида зўр ўқсиқ бор эди. Н. Фозилов, Оқим.

**ЎҚСИҚЛИК** Ачиниб афсусланиш; хафалик, ғам, қайғу. Ой нуридай кўзинг порлар яшин аралаш, Барақларнинг ўқсиқликнинг дафтарин қати. Ғ. Ғулом.

**ЎҚСИМОҚ** Бирор нарсага эриша олмаганлиги, бебахралиги, камситилганлиги ва ш. к. учун афсусланмоқ, хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ. Иккинчи она ва унинг болалари Очиғла ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда у беғонасирар, сал нарсани кўнелига олиб ўқсир эди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Қон йиғлайди ўқсиб, кўкка қараб, Қурашчининг ўқсиқ боласи. Ғ. Шоди. | Афсусланиш ҳисси билан тўлмоқ, ғамга ботмоқ. Бу гапларни эшитиб, Полвоннинг яримта кўнели яна баттар ўқсиди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЎҚСИНИК** Бирор нарсдан афсусланиб хафа бўлиш; ўқсиниш, ўқинч.

**ЎҚСИНМОҚ** айн. ўқсимоқ. Элмурод, унинг [Гулсуннинг] бу қадар ўқсиси тўлиб, ўқсиниб йиғлашининг сабабини сурштиришдан илғари, уни юпатиш лозим деб ўйлади. П. Турсун, Ўқитувчи. [Хулқар:] Ойим раҳматли мени қиз туққанларидан ўқсинар эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎҚСИНТИРМОҚ** ўқсинмоқ фл. орт. н.

**ЎҚСИТМОҚ** ўқсимоқ фл. орт. н. Отасининг ғам-ғусса билан ўтган ёшлиги ҳақидаги бу аччиқ хотиралар бир томондан Беғижонни ўқситса, иккинчи томондан ўзи яшаётган эркин ҳаётдан мамнун қилар эди. Н. Сафаров, Севги.— Бу гўдақни ўз қизинг билан бира тарбияла, ўқтир, ўқситма,— деди акам. М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб.

**ЎҚТАМ** 1 Бошқаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган; шижоатли, ўқтир. Маҳалланинг ўқтам йиғити. — Урмон полвон, Бозор амин, Хайит амин ва бошқа ўқтамроқ одамлар мир-

шаб билан бирга даҳлизга қараб югурдилар. С. Айний, Куллар. У [рус халқи] қолақ халқларни ўзидай етук, ўқтам қилиб ўқтирди, уларга қанот берди, муруватини, оғалик меҳр-муҳаббатини заррача аямади. К. Яшин, Йўлчи юлдуз.

2 Ҳиммати улуғ, олижаноб, хотам, сахий. Ғуломжон ўрнидаги киши яна:— Қизиқ, ўтган йилги туғул, узоқ йилги пахталарини ҳам босиб ётган худонинг қайси ўқтам бандаси экан? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўқтам (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЎҚТАМЛИК** ўқтам 1, 2 с. белги оти. **Ўқтамлик қилмоқ.** — [Мутал] шундай ишонч, шундай ўқтамлик билан гапирдики, гўё уч кун давом этган тергов унинг фойдасига ҳал бўлган! О. Ёқубов, Ларза.

**ЎҚЧА** диал. Оёқ кийимининг товони остига қоқилган қалин чарм; пошна. Ёзи деган товушингиздан айланай, Ўқча баланд қовушингиздан айланай. «Ёзи билан Зебов. Қовушининг ўқчаси титилиб қолибди-ку, иним! А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**ЎЛ-А** унд. с. Бирор кимсага таъна билан танбех бериш учун тантанавор айтиладиган хитоб. **Ўл-а, қўлга тушидинг-ку!** **Ўл-а, аҳолини шу экан-ку!** — [Сидиқжон] бирон таниш-билиш кўриб қолса, Зуннунхўжага етказди ва Зуннунхўжа албатта «ўл-а» дейди деган андишага ҳам бормай, чой ташиди, самоварнинг саҳнини супурди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЎЛАЙ:** вой ўлай унд. с. бирор нотўғри иш ёки хатти-харакат туфайли ҳаяжонга тушганликни ифодалаш учун қўлланади (одатда хотин-қизлар тилида). **Вой ўлай, нима иш қилиб кўйдим!** — **Вой ўлай, мен қандай қилиб айтаман?** П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎЛАҚСА** 1 Ўлган нарса; ўлик. **Девор қавағида могор босиб ётган ўлақсага қўл уриб нима қиласиз.** С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ўлар ҳолатга етган, ўта заиф, нимжон. **Ўлақса от. Ўлақса товуқ.** | сўк. Ўлимтик. Беш йилдан бери ўлтонни бермайсан, солиқни тўламайсан, йиғим деса жонинг бўғзинга келади, ўлақса! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎЛАҚСАХҲҲ** 1 Ўлган жониворларни ейдиган, ўлимтик билан овқатланадиган. Бу шарқнинг уфқида ёт, ўлақсахўр, Урғочи бўрилар ҳаргиз улимас. Ғ. Ғулом.

2 айн. тасқара 1. **Богда буреут, лочин, қарчиғай, қирғий, калхат, бойқуш, ўлақсахўрдан тортиб олатўғаноққача . . томоша қилинди.** Н. Назаров, Замон.

3 кўча Ишламай, бошқалар ҳисобига яшайдиган; текинхўр.— **Сабаби томоша,— деди отам,— агар ҳашар тамом бўлса, бу икки юз ўлақсахўр текин овқатни қаердан топади ва отларини учун бетул ел, беда қаердан келади.** Айний, Эсдаликлар.

**ЎЛАН** 1 айн. ўт II. **Кўм-кўк ўланлар** ва уларнинг орасидан илон изи бўлиб қўшининг нурида кумуш тасмадай ярқираб турган ариқ ва ариқчалар кўришиб туради. А. Қаҳҳор, Сароб. Енгилгина эсан шамол димоққа турли ўлан исларини келтириб урар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЎЛАН** II Халқ оғзаки ижодида одатда тўй, гап-гаштак ва ш. қда ижро этиладиган ашула, қўшиқ. **Ўлан айтмоқ.** — **Қора-қора қўзилар, Қўйини бошлар, ёр-ёр.** Қалам қошли янгалар Ўлан бошлар, ёр-ёр. М. Алавия. **Шўх-шўх парвозтар ўлан овози, Бахшининг қўбизи, созанда сози.** С. Жўра. **Тенгдошлар қўшиғи — дўстлик ўлани** Қуёш йўлларидан кетсин жаранглаб. С. Акбарий.

**ЎЛАНЗОР** Турли ўт-ўланлар ўсган майдон; ўтзор, кўкаламзор, ўтлоқ.

**ЎЛАНЧИ** Ўлан айтувчи, қўшиқчи. **Жуда сулув қиз, ўланчи қиз.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Эшигида неча қўшичи, қўлончи, Бари — полвон, бари — чечан ўланчи.** М. Алавия.

**ЎЛАРДАЙ** айн. ўларча. **Ўлардай зикна. Ўлардай ўжар.** | **Ўлардай ишламоқ. Ўлардай чарчamoқ.** — **Заргаров Кутбиддиновни ўлардай калака қилиб, тоза аламини олди.** А. Қаҳҳор, Ўжар.

**ЎЛАРЛИГИН** рвш Ўлар ҳолатга етгунча; ўладиган қилиб. **Ўларлигин овқат емоқ. Ўларлигин урмоқ.**

**ЎЛАРМОН** 1 Нафсини тия олмайдиган; очкўз. **Ўлармон ҳўкиз болтдан тоймас.** Мақол. | **Ўмон отга ёл битмас, ўлармонга мол битмас.** Мақол.

2 Ўта берилган, муккасидан кетган. **Ичкиликка ўлармон одам.** — **Иширатга ўлармон, нафси ёмонлар Хун дея, қул дея, пул дея босди.** Шайхзода.

**ЎЛАРМОНЛИК** ўлармон с. белги оти. **Беҳуда сўзни гапирма, Менга ўлармонлик қилма.** «Елдор».

**ЎЛАРОК** кт. Гапда ўзидан олдинги сўз ёки ибора маъносини таъкидлаш ва уни гапнинг кейинги бўлағи билан боғлаш учун қўлланади. У [Юсуфбек ҳожи] биринчи мартаба ўлароқ ўзининг ички касалини **Нормуҳаммад қушбегига** очди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Бу ерда ер ислоҳотининг фойдасига ўлароқ бир мунча сўзлар бўлиб ўтди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЎЛАРЧА** рвш Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўлғудай. **Ўларча бахил. Ўларча ичи юра. Ўларча очкўз.** — [Ойқиз хола:] **«Елғиз болам ўқсимасин, яхши ўқсин деб мушук боладай папалаб катта қилдим. У бўлса ўларча ўжар, бир кесар бола чиқди».** Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

**ЎЛАСИ:** ўласи қилмоқ ўлар ҳолатга келтирмоқ, чала ўлик қилиб ташламоқ. **Ўласи қилиб урмоқ.** — **Мардон уларнинг [жаллобларнинг] гапига унамаганди, товонига беҳи таёқ билан уриб ўласи қилдилар.** М. Осим, Элчилар.

**ЎЛАТ** Киши ва ҳайвонларнинг кўп-лаб ёки ёппасига ўлтириш, қирилишига сабаб бўладиган, тез юқадиган касал-



лик, мас. вабо. Қишлоқлар узоқ давом этган ўлат ёки уруш натижаларида хароб бўлгандай вайронликка юз тутган. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу аҳвол умумий вабо ва ўлат эди. Айний, Эсдалиқлар. Ўлат тегди ўлатга дучор бўлди. Чиндан ҳам у ўзини танимаслик даражасида олдирган, ўлат теккан кишилардек кўзлари ичига чўкиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎЛА-ЎЛГУНЧА** *реш* То ўлгунга қалар, умрбод; абадий. Йўқ, болам, мен сендан ўла-ўлгунча розиман. Мен тўғримда энди таишиш тортмасанг бўлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. [Жамила:] Мен сизни ўла-ўлгунимча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб эшигингизни супурай! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЎЛГАНДА** *с. т.* 1 Иш-ҳаракат ёки бирор ҳодисанинг рўёбга чиқмаслигини таъкидлаш учун, «ҳеч қачон» маъносини ифодалайди. Ўлганда ақл киради сенга! Ўлганда одам бўлади! 2 Энг камда, кам деганда, ҳеч бўлмаса. Бу чамадон ўлганда йигирма кило келар.

**ЎЛГУ(Н)ДАЙ** *реш* 1 Ўладиган даражада, ўласи қилиб. Бек хирмонда бекиниб ётган деҳқонни ўлгудай калтаклади. Ғ. Расул, Адолат.

2 Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўларча. Кўринишида мутаовозе, лекин ҳақиқатда ўлгудай кибрли, димоғдор, акари муслмон бойларини кўриш мумкин. Ойбек, Қутлуғ қон. Софдил мутахассислар ундан нафратландилар, чунки ўлгудай дағал, адабсиз. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЎЛГУНЧА** *айн.* ўлгу(н)дай. Ўлгунча бахил. Ўлгунча инжиқ. Ўлгунча калтакламоқ.

**ЎЛГУР** Қимса ёки нарсага нисбатан норозиликни, нафратни, енгил қарғишни ифодалайди. Чумчуқ ўлгурлар узумни ҳеч қўймапти. Ўлгур, бориб кела қолсанг, бирор еринг камайиб қоладими? — Анови йигит ўлгур, — деди [Жўраҳон] ва кафти билан Ғуломжонни ишора қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Менинг кавушим ўлгур чурук, баъзан чўлларга илиниб, қоқилиб кетаман. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. Ота ўлгур, бировнинг малайи бўлса ҳам, ўлгудай кеккайган, такаббур. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎЛДА-ЖЎЛДА** *реш* 1 Тартибсиз сочилган ҳолда, ҳар қаерларда. [Зухра:] «Идорасида тартиб йўқ, хўжалиги ўлда-жўлда десангчи!» — деб жахли чиқар .. эди. С. Анорбоев, Оқсой. Чарчаб қолишди ўйда. Қанчаси қолиб кетди. Етолмай, ўлда-жўлда. Т. Тўла.

2 Охиригача етказилмаган, чала ҳолда. Энди биз бу ишни ўлда-жўлда ташлаб кетмаймиз. Ш. Рашидов, Бурондан кучли.

**ЎЛДИРИЛМОҚ** ўлдирмоқ *фл.* мажҳ. н. Асқар понсад шу ерда, шу урушида ўлдирилган экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ЎЛДИРМОҚ** ўлмоқ *фл. орт. н.* Зар-

гаров «. . ўғлим аълочи» деб ҳеч кимга сўз бермас эди, Қутбиддиновнинг бу кулгиси уни тамом ўлдири. А. Қаҳҳор, Ужар. Тўғонбек . . . ўзини зўрлаб бўлса ҳам, орзусини ўлдиришга тиришиди. Ойбек Навоий.

◆ **Этини ўлдирмоқ** сезмайдиган, ҳис этмайдиган қилиб қўймоқ. Мен эларингни ўлдириб қўяй, минг дод денгелар, минг фарёд денгелар, беҳуда! Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎЛДИРТИРМОҚ** ўлдирмоқ *фл. орт. н.* Подшо асар афандини ҳозир ўлдиртирса, икки кундан кейин ўзи ҳам ўлишидан қўрқиб, фикрини ўзгартирди. «Латифалар».

**ЎЛЖА** 1 Душман устидан ғалаба қилиш туфайли қўлга киритилган нарса. «Ғозилар» эрталаб соат ўнларда уйқудан уйғондилар, сўнгра ўлжа ва тутқунларни бўлиш иши бошланди. Айний, Қуллар. || Элмурад кечаёқ расисга ваъда қилган қишлоқда қўлга туширилган ўлжа қуроллари топишди. Шухрат, Шинелли йиллар. Сафарқул ўлжа милтиқларни ўз одамларига кўтартириб, кўчага чиқди. Айний, Қуллар. Ўлжа қилмоқ (ёки олмоқ) 1) куч ишлатиб қўлга киритмоқ. Ёш экан, жон ширин, ваҳм олади, Номард бўлса, отни ўлжа қилади. «Ширин билан Шакар»; 2) кўчма кест. қулай фурсатдан фойдаланиб бирор нарсани текинга олмоқ, ўзлаштирмоқ; ўғирламоқ.

2 Овда қўлга тушириладиган, тутиб ёки отиб олинadиган нарса, ов. Урмон қатларидан шиддатли овоз, Ўлжасини титар ёввойи махлуқ.. С. Акбарий. Пастлаб келиб энди ўз ўлжалари устига қўнмоқчи бўлаётган қора қушлар бирдан баландлашди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Бектемиров унга худди ўлжасини мўлжалга олган мергандек, бир кўзини қисиб ўтқир қаради. С. Аҳмад, Хукм.

**ЎЛИБ** 1 ўлмоқ *фл.* рвиши.

2. *с. т.:* ўлиб турибди кўчма соғиниб кутяпти, сабрсизлик билан кутяпти. Сени деб ўлиб турибди. Ўлиб, чарчаб *реш* ўлар даражада чарчаб, ниҳоят даражада толиқиб, ғоят ҳорғин ҳолда. Турғунбой ака ҳар кунни эрта билан чиқиб кетиб, хуфтонга яқин ўлиб, чарчаб келади. Ойдин, Бечора.

**ЎЛИБ-НЕТИБ:** ўлиб-нетиб қолмоқ бирор бахтсиз ҳодисага, фалокатга йўлиқмоқ ёки ўлмоқ. Қиши молини сақлаш бениҳоят қийин, ука. Ўлиб-нетиб қолса, балога мен қоламан. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎЛИБ-ТИРИЛИБ** *реш* Бутун кучни сарфлаб, астойдил ҳаракат қилиб, тиришиб; тиш-тирноғи билан. [Норбой ота:] Ўлиб-тирилиб ҳисор зотини хиллаганман, юз йигирматадан қўзи олганман. П. Қодиров, Қора кўзлар. Бизлар кўчага чиққанимизда фашистлар ўлиб-тирилиб қаршилик кўрсатишарди, баъзилари машиналарда қочишарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ЎЛИБ-ҚУТУЛИБ** *айн.* ўлиб-тирилиб.

**ЎЛИК** 1 Ҳаёти тугаган; ўлган, жонсиз. || Арслоннинг ўлиги — сиқоннинг тириги. Матаал. — Солдилар бир нақшга икковни — Жонсиз келину ўлик кўевни. Навоий. Жой олди кучоғиндан Сонсиз ўлик тан. Қим не қилди кимларга, Билмайсан, недан? Ғайратий.

2 от Жасад, мурда. Уйқу ўлик билан тенг. Мақол. — Кейинги вақтларда жаноза ўқиб, ўлик кўмиш одати ҳам барҳам еди. Айний, Қуллар. Қўчалар тўла ўлик. Куйиб бўлган бинолардан тутун бурқсайди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ўлик кўтармоқ мурда солинган тобутни елкага қўйиб қабристонга элтмоқ. Анвар кўчада ўлик кўтарганларни кўрса, бирорта боланинг отаси ёки онаси ўлганлигини сўзлаб, бунинг орқасидан қараб қоларди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 кўчма Берч бўлиб, қотиб қолган; яроқсиз, кераксиз. Ўлик оҳак. Ўлик пахта. Ўлик цемент. Ўлик чигит. — Оҳак қиёми кетса, Қотиб бўлар ўлик ганж. Қ. Муҳаммадий.

4 кўчма Мурданикига ўхшаган; совуқ, хунук; жонсиз. Уртада ўн тўртта минглик қоғоз уюмини кўргандагина Қулматқоранинг ўлик кўзларига нича жон кирди, ўрнидан қўзғалиб чўкка тушиб ўтирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 кўчма Ҳаёт асари йўқ; ҳаракатсиз, кимсасиз; бўм-бўш. Ушандай ўлик қишлоқда бойқушга ўхшаб кимдир истиқомат қилади. С. Анорбоев, Оқсой. — Ўлик далалар. — деди Степан шўр босган бўзларнинг уфқига қараб. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

6 кўчма Таъсирсиз, хаяжон уйғотмайдиган, кишини зериктирадиган. Ўлик ибора. — Кундалик ҳаётимизда шунақа ўлик нутқларни озми эшитамиз! А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

7 Бисотда сақланадиган, ишлатилмайдиган мол, маблағ. Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки, нўл бекор банд бўлиб, ўлик ҳолда қолади. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Ўлик табиат** ҳайвонот ва ўсимлик оламига мансуб бўлмаган нарсалар, тирик организмлардан бошқа жисмлар мажмуи. Ўлик тиллар ёзма манбалардан маълум бўлган, ҳозир кундалик ҳаётда қўлланмайдиган тиллар. **Ўлик уйқу қ.** уйқу 1. **Ўлик эт** тирик организмнинг касаллик ёки қариш туфайли ўсиш, ривожланишдан тўхтаган, кўпинча кўчиб, тушиб кетадиган қисми. Яранинг ўлиги яра ичида қотиб қолган фасод.

**ЎЛИКХОНА** Касалхона қошидаги мурдалар сақланадиган хона.

**ЎЛИМ** Организмдаги ҳаётни фаолиятнинг тўхташи, туғаш; тирик организм ҳаётининг битиши; қаза. Элчига ўлим йўқ. Мақол. — Гулнор ўлимининг учинчи кунни Самарқанддан уларнинг бир қариндоши .. келган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Белбоғ олиб келган

одам ўлим олдидан марҳумнинг нима-лар дегани ва қайси самоварда учратгани, бировни кўп тилга олганини сўзлади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. [Роҳила:] Бекор гап! Ўлимдан хабарим бор, бу гандан хабарим йўқ. А. Каҳхор, Орғиқ тишлар. — Мард кишидан ўлим ҳам қўрқади, — деди комиссар, — ўқ ҳам қайтади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ўлим жазоси айбдорни ўлдириш кўзда тутилган жазо чораси. Отабекнинг бу ҳаракати, .. уни, яъни Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлини ўлим жазоси билан жазолани тақоза этади. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ўлим тўшагида ётгани ўлиш олдидан, унинг ўлими яқин. У [Саъди Махсум] ўлим тўшагида ётганида ҳам ҳазилини қўймаган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ЎЛИМ-ЙИТИМ** Ўлим ёки бошқа бир сабаб билан ажраб қолиш, абадий йўқотиш. Ҳар нарса бўлса бўлсин — ўлим-йитим бўлмасин. Матал.

**ЎЛИМЛИК** этн. Ўз дафн маросимлари учун оддидан ажратиб сақлаб қўйган буюм ёки пул. 68 ёшли кампир Ҳамро хола машина ҳайдашни билмайдиган ўғлига «Москва» олиб берибди. Бу машина кампирнинг ўлимлиги эмиш. И. Қаландаров, Шохнамас, баргида.

**ЎЛИМНОМА** Бирор кимсани ўлдириш, йўқ қилиш ҳақидаги ҳукм ёки буйруқ. Зарба бердик беомон бир яшин каби, Ўлимнома бўлмишиди халқнинг газиби. Уйғун.

**ЎЛИМСА** диал. айн. ўлакса 1. — Меҳмонлари ўлимса бўлса, ўзи ўлимсахўр, — деди. бири. Айний, Қуллар.

**ЎЛИМСАХЎР** диал. айн. ўлаксахўр 1. Сен ўлимсахўр, мурдахўр бир ҳайвонсан. Айний, Жаллодлар.

**ЎЛИМТИК** 1 Ўлган жонивор, ўлик, ўлакса. Кузғун, қорақуш, тасқара каби қушлар ўлимтик билан озиқланади.

2 Ўлар ҳолатга етган; ўлакса. Бу, ўша абжағи чиққан жаҳонгир. Бу ўша, ўлимтик жодузар, айёр. Уйғун. | Нимжон, ўта занф. Гуломжон ўзиникига ўхшамаган ўлимтик товуш билан жавоб қилди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. — Э, э, дейди [келин ойига] Турғун, — сигирниям хўп ўлимтик қилибсиз, минг «Чу» деганда бир қадам босади-я. Ойбек, Болалик.

3 кўчма Очкўз, қурумсоқ. Ўлимтик одам.

**ЎЛИМТИКЛИК** Очкўзлик, қурумсоқлик. Ўзининг ўтакетган ўлимтиклиги билан, пайтини тоғанда оғзидан ошга ҳам чанг сола бошлаган Махзумнинг хатти-ҳаракатлари мурид ва мухлисларнинг асабига тегди. Ғайратий, Довдираш.

**ЎЛКА** 1 айн. мамлакат 1. Ўзбекистон, овоз ўлкам, Баҳор каби кўксинг кўркам. Ё. Мирза. Бу сўзларим туш эмас, Бориб келгандан, Шўролар ўлкасида Роҳат кўргандан. Ғайратий.

2 Мамлакатнинг маъмурий-территориал бирликка эга бўлган бирор қисми; область. Республика составига кирган

бу узоқ ўлкага сиёсий-ташкилий ишларда тезда ёрдам бериш лозим эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. | Умуман мамлакатнинг бирор қисми, бирор томони. Ўлкани ўрганиш музейлари.

**ЎЛКАШУНОС** Ўлкани ўрганувчи.

**ЎЛКАШУНОСЛИК** 1 ўлкашунос с. касб оти. Ўлкашунослик қизиқарли машғулот.

2 Мамлакатдаги бирор жой ёки бирор областнинг тарихи, географияси ва ш. к. ҳақидаги билимлар мажмуи; ўлкани ўрганиш. Ўлкашунослик ёксурсияси давомида ўқитувчи ўқувчиларга ўсимликни, тупроқни ва ҳайвонларни қандай муҳофаза қилиши йўлларини ўз жойида тушуниради. Ф. Баратов, Табиатни муҳофаза қилишда мактабнинг роли.

**ЎЛМАЙДИГАН** айн. ўлмас 1—3. Ўлмайдиган асар. Ўлмайдиган мол. Ўлмайдиган ҳунар.

**ЎЛМАС** 1 ўлмоқ, фл. бўлишсиз сфтиди. Ҳунарли ўлмас, ҳунарсиз кун кўрмас. Мақол.

2 Кишилар хотирасида доим сақланганидан, унутилмайдиган, ҳаминча тилга олинадиган. Ўлмас асар. Ўлмас кашифёт. — Кимсасиз кўринган кечада, хилват, баҳайбат тоғда .. киши ҳаёлига ўлмас афсоналар келади. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

3 Ўз қадри, қимматини йўқотмайдиган, ҳаминча керак бўладиган. Ўлмас мол. Ўлмас буюм. Ўлмас ҳунар.

4 Ўлмас (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЎЛМОҚ** 1 Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ. Ўз ажали билан ўламоқ. Йиқилиб ўламоқ. Ботиб ўлса, номи қолар, номер ўлса, нимаси қолар. Мақол. — Кечга яқин йўл устида ярадор лейтенант ўлди. Ойбек, Кўёш қораймас. Бунинг устига кутимлаганда бир сурувдан устма-уст иккита қўй касалланиб ўлди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Ўлдига чиқармоқ ўлган деб овоз таркатмоқ. [Аминжон:] Хўп, эрингни ўлдига чиқарсан, унинг ёру дўстлари йиғилади, гап-сўз бўлади, шунда бир чеккада ёлғондан йиғлаб ўтириш қўлингдан келадими? А. Каҳхор, Хотинлар. Ҳаром ўлмоқ қ. харом 1.

2 Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, сўнмоқ. Иштаҳаси ўлди. Хафсаласи ўлди. — Робия хола қайноғи ўлиб қолган чойдишга ўт қалаб юборди. С. Зуннунова, Олов.

3 Ўз хусусиятини, сифатини йўқотмоқ; ишлатиб бўлмайдиган холга келмоқ. Цемент ўлибди. Ўлган оҳак.

4 Фельдинг равишдош формалари билан бирикиб келиб иш-ҳаракатни ўта ортириб кўрсатиш учун хизмат қилади. Яхши тўйиб ол, бўлмаса кечга очқаб ўласан. Печкага ўт ёққунча совқотиб ўладик. — [Тўйбека:] Мени эрга берганларидан сенга ўхшаи мен ҳам йиғлаган эдим, алмо ичимда никоҳ кунининг тезроқ келишини кута-кўта ўлган эдим. А. Қодирӣ, Ўтган

кунлар. Энди мен қўрқиб ўламан! П. Қодиров, Қора кўзлар.

◆ Ажалидан беш кун бурун ўлмоқ ўз ажалидан илгарироқ, бевақт дунёдан ўтмоқ. [Қумуш:] Ўғрилар тешиб олдимга чиққанларидан мен нима қилар эдим? Оҳ, отажон! Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Уятга (ёки номусга) ўлмоқ қаттиқ хижолат чекмоқ, изза бўлмоқ, уялиб ўсал бўлмоқ. Сидиқжон номусга ўлиб, газабидан кўзига қон тўлиб, нима қилишини билмай, хийла тўриб қолди. А. Каҳхор, Қўшчинор. Эти ўлмоқ 1) бадани сезмайдиган, хис қилмайдиган бўлиб қолмоқ. Дарра келгунча этим ўлиб, дарра еганим билинмади. «Латифалар»; 2) бирор нарсдан кўрқмайдиган, чўчи-майдаган бўлиб қолмоқ, кўнимоқ; 3) кўчма гап таъсир қилмайдиган бўлиб қолмоқ. Почтаев аччиқ ҳазил, кинояи гаплар, ҳатто калака қилишлар ҳам қор қилмайдиган бўлиб, эти ўлиб қолган эди. А. Мухтор, Тўғлиш. Ўлганнинг кунидан бошқа илож бўлмагач, ноиложликдан. Ўлганнинг устига кўмган бирин-кетин юз берган кўнгилисиз воқеалар ҳақида. Обрўйимни ер билан яқсон қил, қоматимни бук, яна келиб: «Қоматингни кўтар», — де! Бу — ярага туз сепиш. Бу — ўлганин устига кўмган! Уйғун, Навбахор. Улиб турмоқ (ёки юрмоқ) с. т. бирор кимса ёки нарсани ниҳоятда истамоқ, орзу қилмоқ. Жонкелди ўлиб турган экан, кулоқ қоқмай хўп деди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Давлатёр:] Ҳалиги Мамасид деганимизнинг қизи ҳам бўйига етиб, кўзга кўриниб қолди. Бирорта ҳамёни каттароққа пуласам деб, томоғи тақиллар, ўлиб юрибди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Ўлмаган менинж жоним «мен бундан баттарига ҳам чидаганман, бу унинг олдига ҳеч гап эмас», деган маънода ишлатилмайдиган ибора. Ўлса ҳам ҳар қандай шароитда ҳам; ҳеч қачон. Ўлса ҳам бирова ялинмади. — [Ўлган] ўз отасини сийламаган, ўлса ҳам бизни одам ўрнида кўрмас. «Едгор». Ўлсинки шундай бўлса бундай бўлиши мумкин эмас.

**ЎЛПОН** тар. Ердан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ; ер солиғи. Бир кун хоннинг ўлпон йиғувчилари қишлоққа чиққанларидан Ботирали уларни қаттиқ ҳақорат қилибди. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. [Жайноқ:] Хўжайиннинг подшоликка ўлпон тўлаганда, биз тўлмайабизми? Н. Сафаров, Уйғониш. Сенларга неча кур айтдим-а: қарзларингни тўлаб қўй, ўлпонни бер, деб. Кулоқ солдингларми? М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ЎЛПОНЧИ** тар. Ўлпон йиғувчи.

**ЎЛСА-ЙИТМАС** с. т. Ишлатилган билан тугамайдаган; пишиқ-пухта. Ўлса-йитмас этик.

**ЎЛТАНГ** диал. Сув тақсимловчи тўғон, сув тақсимлагич. Тўшсоқа магистрал каналининг ҳам қути учиб қол-

ган — сув ўлтанда шилдираятти. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

**ЎЛТИРИШ** эск. 1 ўлтирмақ фл. иш оти. Энди Рағнонинг, ҳар ҳолда, чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас, шунга биноан бир хўроз чақирғи ўтуғна кутиб ўлтиришини чамалар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 айн. ўтириш 2. Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин, Уртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин. Эргаш шоир.

**ЎЛТИРИШМОҚ** ўлтирмақ фл. бирг. н. Иккиси кўрпача устига ёнма-ён ўлтиришидилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЎЛТИРМОҚ** эск. айн. ўтирмақ. Тўғри сўзламайсиз, Отабек, бу кунгача меним кўрпачада ўлтириб юрган Шокирбек отли бир йиғит эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЎЛЧАГИЧ** Нарсаннинг узунлиги, оғирлиги, ҳажми ва ш.к.ни ўлчаши, белгилаш учун ишлатиладиган асбоб, ўлчов асбоби. **Ўлчагич** билан текишириб кўрмақ. **Ўлчагич** воситасида аниқламақ. || **Ўлчагич** асбоб. — У ерда лабораториядагидай зери-бугри ишиша найчалар, ишиша идишлар, ўлчагичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЎЛЧАК** диал. Ўлчов, ўлчам. Амлакдор уларга [деҳқонларга] ҳам илгаридан экилиб келган ерлар қаторида бир ўлчакдан солиқ солди. Айний, Эсдаликлар.

**ЎЛЧАМ** Нарсаннинг ҳажми ёки катта-кичиклигини белгиловчи номер, ўлчов; размер. **Ўлчам** 3 м<sup>3</sup> бўлган хона. 500 см<sup>3</sup> ўлчамдаги идиш. Бош кийим ўлчам.

**ЎЛЧАМЛИ** Муайян ўлчамга эга бўлган, . . . ўлчамдаги. **Эртмани** 30 см<sup>3</sup> ўлчамли қолбга қуймоқ.

**ЎЛЧАМОҚ** 1 Ўлчов асбоби воситасида нарсанинг узунлиги, катта-кичиклиги, ҳажми ва ш.к.ларни белгиламоқ ёки аниқламоқ. **Ёғочнинг узунлигини ўлчамоқ.** **Майдон сатҳини ўлчамоқ.** **Оқабган сув миқдорини ўлчамоқ.** **Етти ўлчаб бир кес.** Мақол. — Қани, яхши қиз, ўрнингиздан туринг, бўйингизни ўлчаймиз. И. Раҳим, Ихлос.

2 Бирор масала ҳақида атрофлича мулоҳаза юритмоқ, унинг фойдали, зарарли томонларини ҳисобга олмоқ. — **Кечаси бир маҳалгача гаплашиб, ҳамма бўладиган гапни ўлчаб, чамалаб кўрдик,** — деди чол. П. Туреун, Уқитувчи. [Ҳасанали] .. масаланинг ўн-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлади. А. Қодирий, Утган кунлар. **Ўз гази билан ўлчамоқ** бирор иш, ҳодиса ҳақида ўзинча, ўз шахсий нуқтаи назаридан қараб мулоҳаза юритмоқ, бир томонлама ҳукм чиқармоқ.

**ЎЛЧАНИЛМОҚ** ўлчанмоқ фл. мажҳ. н. Текисликнинг бурчак масофаси ўлчанилмоқчи бўлган икки нуқтадан ўтсин. «Астрономия».

**ЎЛЧАНМОҚ** ўлчамоқ фл. мажҳ. н. Тезлик вақт бирлиги ичида босиб ўтил-

ган йўл билан ўлчанади. — **Қатта каппон тарози осилган ва у билан навбат кутиб турган деҳқонларнинг ёғзалари ўлчанмоқда эди.** Айний, Қуллар.

**ЎЛЧАТМОҚ** ўлчамоқ 1 фл. орт. н. Ер ўлчатмоқ. Бўйини ўлчатмоқ.

**ЎЛЧАШМОҚ** ўлчамоқ фл. бирг. н. Райондаги мактаб бинолари билан бўй ўлчашадиган мактаб бинноси солдик. А. Қаххор, Қўшчиноч.

**ЎЛЧОВ** 1 айн. ўлчагич. Ақлнинг ўлчови — идрок. Мақол.

2 айн. ўлчам. Сочларини чамбар қилиб олган навбатчи қиз, бир ўлчовда кесилиб, патнида терилган қора нонларни Элмуродга тутди. П. Туреун, Уқитувчи.

**ЎЛЧОВЛИ** 1 Кўп-озлиги белгиланган, ўлчанган; муайян миқдорда ўлчаб бериладиган. **Ўлчовли умр.** Бу ерда ҳамма нараса ўлчовли.

2 Муайян бир ўлчовда, бир хилда, бир текисда содир бўладиган; бир хил. **Кўкрагига автоматлар осган, ўлчовли одимлар отиб, қора булутдек масофани қамраган, қалин фашист тўққини келмоқда.** Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Муайян миқдорда, санокли, унча кўп бўлмаган. **Хат кичикроқ қоғозда, ўлчовли сўзлардан иборат эди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЎЛЧОВСИЗ** 1 Ҳажми, вази ва ш. к. аниқланмаган, ўлчанмаган. **Ўлчовсиз ҳосил.** **Ўлчовсиз мато.** **Ўлчовсиз ер.**

2 Ўлчаб бўлмайдиган даражада; кўп, беўлчов. **Бир онда у [Йўлчи] ўз кучини ўлчовсиз даражада ўсганини сезди.** Ойбек, Қутлуғ қон. || **Сув ўлчовсиз оқиб ётибди.**

**ЎМАРИЛМОҚ** ўмармоқ фл. мажҳ. н. **ЎМАРМОҚ** с. т. Яшириқча олиб кетмоқ, ўғирламоқ. **Саваат-саваат пачоқ тухумларни пуллоғчи қаллоб одамлар..** бу ердан анча пулни ўмариб кетар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Уғил деди: — Шу фурсат қулай: Отам йўғ-у, пулни ўмарай.** С. Абдуқаххор.

**ЎМАРТИРМОҚ** ўмармоқ фл. орт. н. **ЎМБОҚ-ДЎМБОҚ** Сирти тепачалар ёки чуқурчалар билан қопланган; баланд-паст, нотекис. **Ўнқир-чўнқир, ўмбоқ-дўмбоқ жойлар текислангач, чўлга анча фойз кирди.** М. Назаров, Сирли хат.

**ЎМГАК** с. т. Ўмган. **От мункиб кетиб, ўмгачи билан шағалга қадалди-да, ағнаб, бир неча минутнинг ичида ўла қолди.** А. Қаххор, Мастон.

**ЎМГАН** Кўкрак, тўш. **Ўткир сўз ўмганни тешар.** Мақол. — **Бериб ўмганни ера, гоҳ эмлаб, Тикиб кўз, ун чиқармай лабни тишлаб.** Ҳабнибий.

**ЎМГАНЛАМОҚ** Кўкрак кучи билан ўзига йўл очмоқ, кўкрак кериб олган интилмоқ; бор кучи билан олган интилмоқ. **Бош кўтармасиз теримни дўндириб, қойил қилиб, Интилиб, ўмганлаб, олган сурмасак то бошқача.** Ҳабнибий.

**ЎМГАНЛАТМОҚ** ўмганламоқ фл. орт. н. [Ғиркўкни] ўр келса, ўмган-

латди; Нишаб келса, тўхтатди; Ариқ келса, ирғитди; Жилга келса, жилпитди. «Равшан».

**ЎМИЗ** 1 Елканнинг қўл билан туташган қисми. **У менинг ўмизимдан Бир отадай ушади.** Миртемир.

2 мажҳ. Кийимнинг енг ўтказиш учун ўйиладиган жойи.

**ЎМИЛДИРИҚ** мажҳ. Икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчи учини отнинг ўмрови орқали ўтказиб айилга брикритди қўйиладиган безакли қайиш тасма (эгарнинг орқага сурилиб кетмаслиги учун хизмат қилади). **Қўшиннинг икки ёни ва орқа томонини ҳимоя қилиб турган оптиқлар сувлиғини чайнаб, тилла ўмилдириқларини офтобда ярқиратиб турган сафсиз аргумоқларнинг бошини қўйиб юбордилар.** М. Оснм, Аждодларимиз қиссаси.

**ЎМРОВ** айн. кўкрак. **Сув гулчакдан ошиб, отнинг ўмровигача чиқди.** Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. **Сухсур чирой, шер ўмров, Ишга мехри ўт, олов.** Я. Қурбон.

**ЎМРОВДОР** айн. **Ўмровли.** **ЎМРОВЛАМОҚ** ўмровни ишга солиб, ўмров билан олган интилмоқ, ўмганламоқ. **Бульдозерлар дўнларни ўмрволаб сурди.** И. Шамшаров, Енгиш.

**ЎМРОВЛИ** ўмрови кенг, кўкрақдор. **Арслонқул барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йиғитча эди.** Ойбек, Навоий. **Ўмровли не полонлар Йиқилди майдон ичинда.** «Равшан».

**ЎН** снқ сон 10 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. **Иккита беш ўн бўлади. Ўн километр. Ўн киши. Ўн марта. Бирни кессанг, ўнни эк.** Мақол. — **Бир савдогар ўн той молни олиб, бир зумда қорасини ўчирди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Аммо қиз узоқ кетмади, ўн қадамча нарида тўхтаб, бошидаги чопони ичидан бир қие боқиб қўйди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Ўн гулдан биттаси ҳам очилмаган қ. гул** 1.

**ЎНАҚАЙ** 1 Ишни ўнг қўли билан бажарадиган; **зидди чапақай.** **Ўнақай бола.**

2 Чап келмайдиган, қулай, ўнг, мувофиқ, мос. **Ўнақай йўл.** || **Бизга фақат ишининг ўнақайини топиб, хондан тасдиқ эттиришигина қолган!** А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Қимса ёки нарсанинг ўнг томонида бўладиган, ўнг томонига оид. **Ўнақай этик.** **Ўнақай қўлқоп.** **Ўнақай ошиқ** (ҳайвоннинг ўнг оғидан олинган ошиқ).

**ЎНБОШИ** 1 Ўн-ўн беш аскарнинг командири, кичик харбий бошлик. — **Қўлингни тушир, қийшайма!** — **Сарбоз дўқ урди.** — **Навкар ёшулли билан қандай мулоқотда бўлмоғини ўнбоши айтмайсими?** Мирмуҳсин, Чўри.

2 эск. Бригадир, бригада бошлиғи.

**ЎНБОШИЛИК** ўнбоши с. касб оти. **Анави .. Ҳаҳ, оти нимаиди? Боламарга ўнбошилик қилиб турган ўртоғинг-чи?** Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЎНГ I** Гавданинг юрак ўрнашган томонига қарама-қарши томонга жойлашган. *Ўнг қўл. Ўнг оёқ.* — *Унинг Холябек деган тенгдоши — ўнг кўзи билан қулоғининг орасида данакдай қора ҳоли бор бола — бир кун Авазнинг бутун ошиқларини қоқлаб ютиб олди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. | Гавданинг шу томонига яқин бўлган, шу томон йўналишдаги. *Ўнг чўнтак. Ўнг томон. Ўнг соҳил.* — *Хўжабеков ноқиққа бир ўқрайиб қаради-да, ўнг биқинида ўтирган Шербекни аста туртди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Машина ўнг қўлдаги торроқ кўчага бурилиб, озроқ юргач, тўхтади.* С. Зуннунова, Гуноҳ. *Кўчанинг ўнг юзиди яхлит кетган пастаккина узун бино кўрасиз.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**2** Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги илгор оқимга, прогрессга душман; консерватор, реакцион. *Ўнг партия. Ўнг лейбористлар. Ўнг социалистлар. Ўнг эсерлар.*

**3** Халқаро ишчилар ҳаракатида: марксизм-ленинизмга, коммунистик партия сиёсатиغا қарши; оппортунистик. *Ўнг оғмачилар.*

◆ **Ўнг кўз билан қарамоқ** меҳрибонларча яхши муносабатда бўлмоқ. [Турсунхон:] *Қолхозда ҳамма нарса бригадаларга баравар тақсимлансин. Раис бировга ўнг кўз, бировга чап кўз билан қарамасин.* Х. Фулом, Сенга интиламан. *Ўнг кўзинг чап кўзингга ошина бўлмайдинган энг яқин кишилар ҳам бир-бирига душманлик қилади каби маънодаги ибора.* — *Мулла Шокиржон, бу вақтда одамни билиб бўлмайди! Ўнг кўзинг чап кўзингга ошина бўлмайдинган замон бўлиб қолди, — деди мингбоши.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Ўнг қўл қ. қўл.*

**ЎНГ II** Амалда, ҳақиқатда содир бўладиган воқеа ёки ҳодиса, бор нарса, ҳақиқат, реал ҳолат. *Қудрат севгилиси ёнида, унинг ҳусн-жамолини ўз кўзи билан кўриб турибди. Бу туш эмас, ўнг, ҳақиқат.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. [Руднев:] *Йўқ ... Бу тушингни бориб сувга айтсан. Менга ўнгинида кўрганларингни гапириб бер. Милтиқлар қаерда?* Н. Сафаров, Уйғониш.

◆ **Кўз ўнги қоронғилашди** кўзи тинди. [Икбол:] *Уф .. тинкам қуриди. Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди-я.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Кўз ўнгида** 1) кўз олдида, қаршисида, рўпарасида. *Йиситмадан қуйиб, беҳуд бўлиб ётган ҳақир онаси худди кўз ўнгида тургандай кўринди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ўзи яшаб турган шароитда, ўзи билан бир муҳитда. *Кўз ўнгида унинг-ўсиб келаётган Фотима-ку.* П. Турсун, Уқитувчи. **Кўз ўнгида** ўтди хотирасида жонланди, ҳаёлига келди, кўрингандай бўлди. *Сарғиш суяк сопи кескир пичоқ унинг кўз ўнгида ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ўнг келмоқ** воқеликка, чинга айланмоқ. *Дунёда бир талай тушларини*

*ўнг келганини эшитганман.* Ф. Фулом, Тирилган мурда.

**ЎНГ III** Нарсанинг одатда кўришиб турадиган томони, сирти. *Барғининг ўнги. Газламанинг ўнги. Қўйлак ўнги.*

**2** Нарсанинг фойдаланишга қулай бўлган томони, тўғри тугилган ҳолати. *Газетанинг ўнги. Қитобнинг ўнги. Пичоқнинг ўнги (тиғи).* || *Қитобни ўнг ушламоқ.* | *кесим вазифасида Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун мос, қулай, ўнақай. Шу йўл бизга ўнг.*

**3** Бирор иш-ҳаракат қилиш учун қулай фурсат, шароит. *У қочиб кетишининг ўнгини тополмай, қайрағочга суяниб ўтириб олди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Иш ўнгида келди иш муваффақиятли бўлди; бирор иш ёки орзун амалга ошириш учун қулай фурсат туғилди.* — *Индаманглар, ишимиз энди ўнгида, — деди Элмурод уларга.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Орқа-ўнгига қарамасдан** ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтирмасдан, таваккалига; пала-партиш. *Орқа-ўнгига қарамасдан иш қилмоқ. Орқа-ўнгини олмақ* ўзини ўнглаб олмақ, ўз ишида тартиб ўрнатмоқ.

**ЎНГАРИЛМОҚ** ўнгармоқ *фл. мажҳ. н. Қўй отга ўнгарилди. Иши ўнгарилди.*

**ЎНГАРИШМОҚ** ўнгармоқ *фл. бирг. н.*

**ЎНГАРМОҚ I** Елкага кўндаланг қўймоқ. *У энгашиб, каттагина боғ машоқни елкага ўнгариб келар эди.* Х. Аҳмар, Қим хақ? [Мусавой:] *Жон жека, айтинг, бўри қандай бўлади? Қўйни бирдан бўғиб ўнгариб кетармиш-а? Ойбек, Болалик.* | Эгарга ёки от кифтига ортмоқ. *Саломатни отга ўнгариб олиб қочсан, уни қўрбошига пешкаш қилган ким?* С. Аҳмад, Хукм.

**2** *айн. ўнгламоқ.* — *Бизнинг туман бойлари .. ўз ишларини озгина вақтда ўнгариб оладилар, — деди бой.* Айний, Қулар. *Турма ҳақида эшитган ваҳималари бу ерда йўқлигидан кўнгли хиёл тасалли топди ва бир оз ўзини ўнгариб олди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ЎНГИР** Уйилган, чуқур жой; ўйиқ. *Йегишлар дарахтларда, тоғ ўнгириларида туриб, сопқон отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўная берибди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Сўнги қор ҳали талмон эриб битмаган, ўқтин-ўқтин жойда, пастқамлар ва дўнгликларнинг кўнга тескари ўнгириларида лахтак-лахтак бўлиб ётибди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

**ЎНГИТМОҚ** ўнғмоқ *I фл. орт. н.* — [Жўравой шимини] *ўзи ювиб рангини ўнғитиб қўйибди, — деди Сўнагул.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ЎНГЛАМОҚ** Қулай ҳолатга келтирмоқ, тўғриламоқ. *Аҳмаджон шошмасдан милтигини ўнглади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кўзубой.. папкасини ўнглаб олиб, Қудратни бошлаб бораркан, гап орасида сўраб қолди.*

Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Мувофиқ ҳолга келтирмоқ, яхшиламоқ; тузатмоқ. Ишини ўнгламоқ.* — *Селдан, дўйдан зарарланган гўзаларни ўнглаб олиш осон бўлмади.* М. Тошматов, Машинани эггалланг.

◆ **Нафасини ўнгламоқ** бир оз дам олиб ўзини ростиламоқ, хордиқ чиқармоқ. *Улар ҳол йиғиб, нафасимизни ўнглаб олайлик деб, Мели полвонинг чордеворида киришибди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Оғзини ўнгламоқ** бирор гап айтишга ҳозирланмоқ, бирор нарса демоқчи бўлмоқ. **Эс-хушини ўнгламоқ** эс-хушини йиғиб олмақ, ўзига келмоқ. *Ушандай текки ҳали эс-хушини ўнглаб ололмаган Ҳамроқулнинг ҳам кўкрагига туйди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. **Ўзини ўнгламоқ** эс-хушини йиғиб олмақ; ўзини тугиб олмақ; бирор иш қилиш қобилиятига эга бўлмоқ. *У [Мансур] гандираклаб, ўзини зўғра ўнглади, юзиди ғазаб чақнади.* Ё. Шукуров, Уч савол.

**ЎНГЛАММОҚ** ўнгламоқ *фл. ўзл. н.* *Қумушни совуқ тер босиб, бир неча вақт жим ётди, шундан кейин охиштагина ўнғиланиб ётиб олган, кўзини очди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Гўзаси энди ўнғиланиб, қаричга келган.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЎНГЛАТМОҚ** ўнгламоқ *фл. орт. н.* **ЎНГЛАШМОҚ I** ўнгламоқ *фл. бирг. н.*

**ЎНГЛАШМОҚ II** *сиёс.* Консерватив ва реакцион оқимга, ўнг оғмачилар сафига ўтмоқ.

**ЎНГЛИК I** Ўнг оқимдагиларнинг мавқеи; консервативлик; реакционлик. **ЎНГЛИК II** ўнг II с. белги оти. *Тушининг ўнглиги.*

**ЎНГЛИК III I** ўнг III с. мавҳ. *от.* **2** Қулай ҳолат, қулайлик. *Йўлнинг ўнглиси.*

**ЎНГМОҚ I I** Ўз рангини йўқотмоқ, ранги ўчинқирамоқ; оқиш рангга кирмоқ. *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнғиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У [Давлатёр] туси ўнғиб кетган эски рўмол билан пешана ва қулоқларини ўраб олган эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**2** *диал.* Озиб ўз тусини йўқотмоқ, оқариб ҳолсизланмоқ. *Мавлавий Йўлдош ўқиб турган саҳифага хатчўп ташлаб, эринибейна кўзгалди, чиқиб қаршисида ўнғиб кетган.. бўйни қисқик мусофирни кўрди.* С. Абдулло, Мавлоно Муқимий.

**ЎНГМОҚ II I** Яхшиланмоқ, ривожланмоқ, ўнғланмоқ. [Аҳмаджон:] *Бошқалари у ёқда турсин-а, пахтанинг ўзи билан ҳам ишимиз ўнғмасди.* Й. Шамшаров, Кўрк меъмори. | *Кўпаймоқ, унмоқ. Фирқўк отни уради: Нега йўлинг ўнғмайди? «Равшан».*

**2** Иш ўнғидан келмоқ; яхши мавқега эга бўлмоқ. *Оқадар ўнғмайди. Айбини яширган ўнғмас. Мақол.*

**ЎНГ-СЎЛ**, ўнгу сўл **I** Ўраб турган томонлар, атроф. *Ўнг-сўл кўкаламзор.* — *Салимбоев ўнг-сўлига қарамасдан,*

тша киришиди. М. Уринхўжаев, Унусилмас қунлар. *Кумуш сувлар шалдираб Қолар ўнгу сўлимда*. З. Диёр.

2 **кўчма** Ураб турган шароит; вазият. *Йўлларим порлоқ, тўсиқ бўлмакай, Аниқлаб олдим мен ўнг-сўлимни*. Ғайратий.

**ЎНГ-ТЕРС** 1 Бирор нарсанинг ҳамма томони, ўнг ва терси. *Газламанинг ўнг-терси*. Ноннинг ўнг-терси.

2 **айн. ўнг-сўл**. Айвонда, хонтахта ёнида ўтирган Сарсенбой ўнг-терсига қарамай, нон тишлаб, бутун помидорни оғзига соларкан, унинг ёнига ўтирган Остап овозини пасайтириб дейди. Р. Файзий, Сен егим эмассан.

3 **кўчма** Бирор нарсанинг ҳар томони, ҳар жиҳати. **Ўнг-терсига қараб** ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўриб, ўйлаб.— *Худога шукур. Лаби даҳанимизга чиққан чиққан эмас, тоға, гапни ўнги-терсига қараб гапириши лозим бўлса, бир одамчалик гапира олармиз, дейман,— деди Бозорбой*. П. Турсун, Ўқитувчи. [Ҳасанали] Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўллади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎНГЧИЛИК** эск. Ўнг оқимдагиларга хос маслақ, ўнглик; консерватизм.

**ЎНИНЧИ тартиб сон** 1 Тартиб ўрни 10 рақами билан белгиланган, 10 номерли. *Ўнинчи хона*. *Ўнинчи синф*.

— **Ҳаммолчиликнинг ўнинчи-ўн биринчи кун** бир мўйсафид киши каптондан бугдой кўтартиди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Ҳаял ўтмай, қорни чиққан Ҳожки ака олдинда, узун коридордан ўнинчи палатага томон йўл олди*. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 Нарсаларнинг тўққизинчидан катта, ўн биринчидан кичик ўлчам номери. *Ўнинчи қалиш*. *Ўнинчи чироқ шишаси*.

**ЎНЛАБ** чама сон Бир неча ўндан иборат; ўнларча. *Шу чоқ Бектемир, сўл томонда, пастликда, ўнлаб жангчиларимизнинг олдинга қараб югурганини кўрди*. Ойбек, Қуёш қораймас. *Олаҳўжа.. кўпгина ер ва боғларни яшириб қолди; ўнлаб молини тоғдаги она-налариникига ҳайдатди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎНЛАР**: ўнлар хонаси **мат.** кўп хонали сонларда охиридан иккинчи хонадаги рақам номи ва унинг ўрни.

**ЎНЛАРЧА** чама сон Бир неча ўнта, ўнтача. *Одамлар бир лаҳзада сесканиб, бир-бирларига қарашди*. Бирдан ўнларча мушт ҳавога кўтарилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎНЛИ** **мат.** Ўнлаб ҳисоблашга асосланган. *Ўнли санақ системаси*. **Ўнли қаср** махражи ўн, юз, минг ва ҳ. к. рақамлар билан ифодаланган қаср. **Ўнли тарози** тортиладиган нарсанинг оғирлиги ундан ўн марта енгил тошлар воситасида ўлчанадиган тарози.

**ЎНЛИК** 1 Ўнни ифодаловчи рақам. 2 Ўнта холи бўлган карта, домино ва ш. к. Таппонинг ўнлиги. *Доминонинг ўнлик тоши*.

**ЎНТА** **дона сон** Ўн дона; ўн нафар. **Ўнта китоб**. — *Унинг бунақа шиларини кўрганлар: — Бу қиздан бир бала чиқади. Ўнта ўғилнинг ўрнини босади,— дейишарди*. С. Ахмад, Уфқ. || *Париж таннозларидан бир кунда ўнтасини олиб келсам, Қасримга ўн хил ўзгарши кирмайди*. А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг.

**ЎНТАЛАБ** чама сон Бир неча ўн донадан иборат; ўнлаб. *Бундай учар юлдузлар кўп, бир соат ичида ўнталаб кузатилади*. «Астрономия». | **Ўнта-ўнта** қилиб, ўнтадан қисмларга ажратиб. *Ўнталаб санамоқ*.

**ЎНТАЛИК** с. т. 1 Ўнта бир хил нарсадан иборат. *Ўнталик папирос*. 2 с. т. Ўн сўмлик қоғоз пул; червон. *Ўнталикларни чўнтакка жойламоқ*. || *Ўнталик пуллар*.

**ЎНТАЧА** чама сон Ўнга яқин. *Эски бир кўк дарвоза йўлагида ўнтача бола ошиқ ўйнашарди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎНҚИР** Ўйилган, чуқур жой. *Ўнқирларга солинган қамиш, похоллардан эҳтиёт бўлиб ўтиш керак*. Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

**ЎНҚИР-ЧҲНҚИР** Юзасини чуқурликлар ва дўнгликлар қоплаган, баланд-паст, нотекис, ўйдим-чуқур. У[Алижон] *жуда ошиқарди. Одамлар кўринмаган ерда расмана чопар, ўнқир-чўнқир ерлардан ҳаллослаб ўтар эди*. Мирмуҳсин, Чинқиш. *Йўлнинг кўпи қир ва сойлик, ўнқир-чўнқир бўлгани учун туялар чайқалиб-чайқалиб борар, бундан менинг бошим айланиб, кўнглим озар эди*. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари. || *Қоялар остида, тепалар тагида, ўнқир-чўнқирларда яшириниб қолган қор парчалари баҳор кўёшининг иссиқ нафаси билан қозонга тушган ёғдек эриб, кўз йилғамас жилғаларни тўлдирган ҳолда сой тубига равона бўларди*. Ш. Рашидов, Бурондан кучли.

**ЎНҚИР-ЧҲНҚИРЛИК** Ернинг паст-баланд жойи; ўнқир-чўнқир жой. *Набижон отни жадаллаб ҳайдаб борар, йўлнинг ўнқир-чўнқирлигидан тинмай силкиниб бораётган бу йўловчилар индашмас эди*. С. Зуннунова, Гулхан.

**ЎНҚОВ** с. т. Қулай фурсат; имконият. *Қандай бўлса ҳам бир ўнқовини топиб, .. орзу-ҳавасли тўй ўтказиш ниятида эдилар*. Ф. Фулом, Эшон. *Бугунча ишинг ўнқовини қилолмадим, кечқурун яна суриштириб кўраман*. Ҳ. Нуъмон. А. Шораҳмедов, Ота.

**ЎНҒАЙ** 1 Бирор жиҳатдан мос келадиган, фойдаланиш учун қулай, боп, яхши. *Яёв юриш учун бу йўл жуда ўнғай*. — *У серсоқол, тунд рус жангчиси яқинида ўзига ўнғай ўрин танлаб писиб ётди*. Ойбек, Қуёш қораймас. *Кейин [Нури] бир неча кун ўйлаб Йўлчи билан махфий учрашувга қарор қилди*. Бу орзу кундан-кунга кучайса ҳам, ўнғай фурсатни кутди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Осон бажариладиган; осон, енгил.

*Бегонанинг қонига қўла уриб, ярасига малҳам бўлиш, унинг азоб қақатган юз-кўзига қараш ўнғай ишми!* Шухрат, Шиннели йиллар. *Қишининг дилини билиш ўнғай эмас, .. ман ғарибга йўла кўрсатинг [деди Ермат]*. Ойбек, Қутлуғ қон. [Навоий:] *Едгорнинг пойтахтга тез ва ўнғай киранилиги ғоят таажжуб*. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ЎНҒАЙЛАНМОҚ** айн. ўнғайлашмоқ.

**ЎНҒАЙЛАШМОҚ** Қулай ҳолга келмоқ; осонлашмоқ. *Иш анча ўнғайлашди*.

**ЎНҒАЙЛИК** 1 Ўнғай, қулай шароит. *Ишга ўнғайлик тугдирмоқ*.

2 Осонлик, енгиллик. [Соқина:] *Мен буни ўнғайлик билан боқиб ўстиратганим йўқ*. И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор?

**ЎНҒАЙСИЗ** Хижолатга соладиган, хижолатли, ноқулай. *Ҳар иккиси ҳам бир-бирининг азойини кўриб ўнғайсиз ҳолатда қолдилар*. Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Орага ўнғайсиз жимлик чўкди*. С. Маҳкамов, Шогирд. *Элмурод.. бу ўнғайсиз саволга дағалроқ қилиб жавоб берди*. П. Турсун, Ўқитувчи. || *Элчибек ўнғайсиз илжайиб қўйди*. А. Мухтор, Туғилш.

**ЎНҒАЙСИЗЛАНМОҚ** Ўнғайсиз ҳолга тушмоқ, хижолат тортмоқ. *Аваз отасига тик гапиранидан энди бир оз ўнғайсизланди*. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎНҒАЙСИЗЛАНТИРМОҚ** ўнғайсизланмоқ **фл. орт. н.** Ноилзо ошга биринчи бўлиб қўла чўздим. *Ушанда бу ҳодиса мени жуда ўнғайсизлантирган*; эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎНҒАЙСИЗЛИК** Ўнғайсиз ҳолат, ноқулай аҳвол. [Анварнинг] *Раънога айтмоқчи бўлган сўзи эҳтимол унинг ўзига ҳам ўнғайсизлик берар эди*. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЎНҒАЛМАС** Тузатиб бўлмайдиган, яхшиланмайдиган; ривож топмайдиган, ўнғаланмайдиган. *Ўнғалмас иш*.

**ЎНҒАЛМОҚ** Асли ҳолига келмоқ, тузалмоқ; яхшиланмоқ; ривож топмоқ, ўнғаланмоқ. *Сен билан бирлашганимдан буён ишим ўнғалганини билмайман*.

**ЎНҒАРИЛМОҚ** 1 ўнғармоқ **фл. мажҳ.** н. *Хўп, Болтабой обрўйингизни тўқаётган бўлса, уни бригадирликдан бекор қилиш билан иш ўнғарилса, ўларнинг биласизлар*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Соғ ҳолга келмоқ, соғаймоқ, тузалмоқ. *Бу бечора ота-оналарнинг қашшоқлиги туфайли ўнғарилиб ололмади, ахири дунёдан ўтди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎНҒАРМОҚ** с. т. Ўнғламоқ.

◆ **Ўзини ўнғармоқ** айн. *Ўзини ўнғламоқ қ. ўнғламоқ*. *Майна «Е тавба...» дегди, холос*. У ўзини ўнғариб ололмаган ҳам эдики, Фрунзенинг ўзи унинг ёнига келди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЎПИРИЛИШ** 1 ўпирилмоқ **фл. иш**



оти. Дарё қирғоғини ўпирилишдан сақламоқ.

2 кўча Барбод бўлиш, орқага кетиш, бузилиш. Хўжайлик ишларида ўпирилишга йўл қўймаслик.

**УПИРИЛМОҚ** ўпирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Қиш, тўхтамай қор ёғади. Қадам босан ерингиз ўрадек ўпирилиб қолади. Ойдин, Сухбати жонон. Хўжайиннинг кармони ўпирилганга ўхшайди. Ойбек, Кутлуг қон. Эшик қулади, қамиш девор ўпирилди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**УПИРМОҚ** 1 ўйиб, бузиб юбормоқ; учириб ёки оқизиб кетмоқ; емирмоқ. Сув тўғонни ўпириб юборди. — Дарё қайнар, кўпирар, Тўнка остин ялаб ўпирар. «Муштум», 1961, № 20. Уқ биринчи кийинки чап кўздан кириб ўнг чаккасидан чиқибди, иккинчисининг эса миясини ўпириб кетибди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Тўп ўқлари қалъанинг пештоқларини ўпириб тушса ҳам, қалъа устига ўрмалаб чиқувчи азамат бўлмади. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кўча Кўп олиб камайтирмоқ; қут-баракасини учирмоқ. Хирмондаги бурғойни ўпириб юборишди.

**УПИЧ** диал. Упиш, бўса.

**УПИШ** 1 ўпмоқ фл. иш оти. [Хотини:] Садқаи эркаклик кетинг, хилватга тортиб ўпишни ҳам билмайсиз! А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

2 айн. бўса.  
**УПИШМОҚ** ўпмоқ фл. бирг. н. Бу га, эл-юрт олодида ошкор, тортирмай узоқ ўпишидилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

**УПКА** 1 анат. Одам ва умуртқали ҳайвонларда кўкрак қафаси ичига жойлашган нафас олиш органи. Упка касаллиги. Упканинг яллиғланиши. — Упкасиа ҳаво тўлди, кўздари ҳам ёришиб кетди. Ойбек, Куёш қораймас. Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб йўтални қистатар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Ҳайвонларнинг шу органи (овқат сифатида). Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Мақол.

◆ ... деса ўпкаси кўрнадиди нихоятда соғинч ва интизорликдан дардчил бўлиб қолган киши ҳақида. — Маликахон деса, ўпкангиз кўринадиган бўлибди-ю, сирни бой бермаганингизга ўлайми? — деди кампир чола. Ф. Зоҳид, Ошиқ ва маъшук. **Упкаси** йўқ айн. ўпканини қўлтиклаган. Упкаси оғзига тикилиб ортиқ даражада ҳаяжонланиб, энтиқиб; ўлар ҳолатда. Соҳиб қори кийиниб эшикка чиқди-да, ўпкаси оғзига тикилиб дарвозадан ҳовлиқиб қайтди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. **Упкаси** тўлди йиғиси, йиғлагиси келди. Дилдор.. бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Дилдаги гапларни ўпкаси тўлиб кетганидан айта олмади. С. Аҳмад, Уфқ. **Упкаси** тўлиб йиғламоқ айн. ўпкасини туюлмамай йиғламоқ. Упкаси шишди қ. шишмоқ. Упкангни бос! ховлиқма!, тинчлан! [Тўхтабу:] Упкангни

бос! Хўп тилларинг бир экан-да иккалангнинг. С. Зуннунова, Гулхан. **Упкасини** ростламоқ бироз дам олиб олмоқ, куч йиғмоқ. **Упкасини** туюлмамай йиғламоқ ўзини туюлмамай хўнграб йиғламоқ. У ўпкасини туюлмамай, йиғлаб юборди. А. Қаххор, Йиллар. **Упкасини** тутмоқ йиғидан ўзини тутмоқ. У ўпкасини зўғра тутиб олди. **Упкасини** қўлтиклаб чопмоқ (ёки югурмоқ) ўлартирилариға қарамай чопмоқ, халлослаб югурмоқ. Шунда тулки югуриб келиб ҳа деб ёғни еяверди, овчи узоқдан ўпкасини қўлтиклаб чопиб келди. «Эртақлар». **Упкасини** қўлтиклаган ховлиқма, мақтанчоқ.

**УПКА** II Бировнинг нотўғри иши, ноҳақ ранжитиши туфайли ундан аразлаш, хафа бўлиш; гина, кудурат. **Упка** қилмоқ. — Тешабойнинг юрагида бош кўтарган гумон деви Тўрақоннинг .. ўпкаларидан кейин ёта қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Упка** сақламоқ ноҳақ хатти-ҳаракати учун бировдан ранжиб юрмоқ, аразламоқ. Раёно ҳанў ўпка сақлаб, Анварнинг саволлариға жавоб бермас, унинг қизиқлик сўзлариға ҳам тескари қараб кулар, кулгисини унга кўрсатмас эди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**УПКА-ГИНА** Упкалаш, кек сақлаш, гинахонлик. [Расулов] қишлоқларда юриб анча ўпка-гиналарни йиғиб қўйган экан. И. Султон, Бургутнинг парвози.

**УПКАЛАМОҚ** Бировнинг нотўғри иши, ноҳақ ранжитиши туфайли хафа бўлмоқ, ўпка қилмоқ; аразламоқ. Башаранг қийишқ бўлса, ойнадан ўпкалама! Мақол. — Элмурод Турдиевнинг «разведкага юрмайди», деб ўпкалаб юрганини бир неча марта эшитган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. У [Ҳамид] ҳомилидор хотинға самовар қўлтириб қараб ўпирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. А. Қаххор, Адабиёт муаллими.

**УПКАЛАШМОҚ** ўпкаламоқ фл. бирг. н. Аҳмад Хусайн кеч соат иккилардан сўнг келиб кирди. Ҳаммаси дуа қуриш, қаерда қолганини суриштириб, ўпкалашди. Ойбек, Нур қидириб.

**УПКАЛИ** Бирор нарсадан ранжиганлик, норозилик, аразлаш туйғусини ифодолувчи; гинали. Станокнинг бошида Кумрининг ўзи .. Уқтин-ўқтин қарайди Упкали кўзи. Ғайратий. Софья Борисовна эриға ўпкали назар солди, нима қилишини билмай, шошиб-пишиб яна вино қуя бошлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УПКАСИЗ** 1 Бирор ранжимайдиган, аразламайдиган, ачиқ-турсиқсиз. Тўй ўпкасиз бўлмас. Мақол.

2 кўча Ҳовлиқма, мақтанчоқ.

**УПКАЧИ** с. т. Салға аразлайверадиган; аразчи, иначи. Упкачи хотин.

**УПМОҚ** 1 Эркалаш ёки севги-муҳаббат ифодаси сифатида кимсанинг бирор ериға лабларини тегизмоқ; бўса олмоқ. Болани ўпмоқ. Қўлини ўпмоқ. Пеша-

насидан ўпмоқ. — Аваз хотинини боладай қўлларига кўтариб олди-да, кўзларидан, қошларидан ўпди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Нормат онасини қучоқлаб ўпди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Ҳурмат, садоқат ёки эъзозлаш ифодаси учун муқаддас, азиз саналган бир нарсаға лабларини тегизиб қўймоқ. Она-Ватан тупроғини ўпмоқ. Байроқни ўпмоқ.

2 кўча Бирор нарсаға енгил-енгил тегмоқ, урилмоқ. [Кумушининг] бу кунги совуққа қарши кийиб олган савсар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб нафис бақбақаларини ўпиб ётар эдилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Ел қитиқлаб, ўпиб қорчи Чечакларнинг япроғидан. Ғайратий. | Бирор нарса турган жойға томон чўзилмоқ. Чўққилар булут ўпади. — Юлдузлар ўпади Учган садолар. Ғайратий.

◆ **Онаси** ўпмаган иффатли, соф. Пулинг бўлса, .. онаси ўпмаган малика қизлар сенга қучоқ очади. Ойбек, Кутлуг қон.

**УПОҚ:** ўтирса — ўпоқ, турса сўпоқ демоқ бирор айб топиб, камситмоқ. Одамлар жуда кўп янги «қилиқ»ларингизни айтиб юришибди. Қолхоз раиси .. билан тескари бўлиб, ўтирса — ўпоқ, турса сўпоқ деяётганмишсиз. В. Маҳкамов, Иғвонинг охири — вой.

**УПОҚ-СЎПОҚ** Нотўғри шаклдаги, қинғир-қийишқ, кўримсиз, хунук. Упоқ-сўпоқ пиелалар. Упоқ-сўпоқ нонлар.

**УПТИРМОҚ** ўпмоқ I фл. орт. н. Лабидан ўптирмоқ.

**УПҚИН** I Бирор табиий куч воситасида ҳосил бўладиган уярма; гирдоб. Дарё ўпқини. — [Низомжон] қўлидаги қоғозни фижимлаб, электр лампаси атрофида капалакдек айланаётган қор ўпқинларига тикилганча туриб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 айн. ўпқон. [Навоийга] ўлим билан ҳаёт орасидаги қора ўпқин оддий ва яқин нарса каби сезила борди. Ойбек, Навоий.

**УПҚИНЛИК** Тубсиз чоҳ, ўпқон. Бу ерда ариқ доимо қуйламаса, ҳаёт.. бир ўпқинликдир. Ойбек, О. в. шабадалар.

**УПҚОН** Сувни тортиб кетадиган ер остидаги кўрнимас чуқурлик, бўш жой. Ариқнинг тағидан ўпқон чиққан экан, каттариб-каттариб устидаги тупроқни ҳам қулатиб туширибди. П. Қодиров, Яхшилик. Харсанлар тағидан ўзига йўл топаён сув бетида ўпқоннинг варонкаға ўхшаш гирдоби айланар.. эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Оқсўйнинг тағи тубсиз, ўпқонлари бор. Уни тўхташиб бўлмайди. С. Анорбоев, Оқсой. | Умуман тағсиз-тубсиз чуқурлик, жарлик. Ичингизда ўпқонинг борми? ёки ўпқонинг очилдими? овқат еб тўймас, юҳо одам ҳақида.

**УПҚОНЛИК** Тубсиз жарлик, ўп-



қон. Алишер Навоий! Упқонликка қулаб кетаётган тоғни ёлғиз тутиб қола билади. Ойбек, Навоий.

**УР I I** Жарлик, чуқурлик. Урга тушиб кетмоқ. | Хандақ. Фронт орқасида ўр қазиб турганда Мулла Обидан ўттиз метрча нарига бир катта тўй ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**2** Қия тепалик, баландлик. Қияда қилпиллатди, Ур келса, ўмганлатди [отни]. «Рустам». Сулув қизсан, сенга толиб кўп бўлар, Урдан, қирдан неча турли гап бўлар. «Равшан».

**УР II** фольк. Ўжар; жоҳил. Хали бу бола ёш бўлса ҳам ёмон ўр бола экан. Ўзбек ўр бўлади-да, дейишаёттирлар. «Равшан».

**УРА** Сабзавот, дон ва ш.к.ни кўмиш учун махсус қазилган, одатда ости кенроқ бўладиган чуқурлик. Қартошка ўра. Сабзи ўра. Бир ўра турп. — Уста Олим ҳам қайнисини туришига шират қилди ва ўрдан сабзи олиб тўғраша буюрди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Сидиқжон] кунни бўйи тинмади, .. тўлиб қолган кир ўрани кўмиб ташлаб бошқа ўра қазиди. А. Қаххор, Қўшчинор. Чигит ўра экиш олдида чигитни ивйтиш учун қазилган ховузча.

**УРАЛАМОҚ** айн. ўрламоқ. Шипга яна ҳам гуриллаб тутун ўралайди. П. Турсун, Ҳақитовчи.

**УРАЛАШМОҚ I** Бирор жойда уймалашмоқ, тентимоқ; изғимоқ. Қодиров ўзи ҳам қорондор ўралашиб юарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Гажак қўйган келинчақлар, фиким рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишади. С. Аҳмад, Уфқ. | Қоқиниб-туртаниб, одамларга халақит бериб изғиб юрмоқ. Аҳмад анҳор ёқасида; ҳамма ёғи лои, одамларга ўралашиб юарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**2 диал.** Уралмоқ, ўранмоқ. [Хотин] эски параша паранжи ичида ўралашиб, юриб эмас, югургандай тезлаб келар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **3** кўчма Бирор иш билан банд бўлмоқ, овора бўлмоқ; куйманмоқ. У ўн болани ўстираман деб, уйда ўралашиб қолди. — Биз улусни Шўрога қарши кўтариши ўрнига Зиёдилла афанди отган бирейна ўқ изларини йўқотти билан ўралашиб қолдик. Х. Фулом, Машъал.

**УРАЛИШМОҚ I** ўрламоқ фл. бирг. н. Болалар кўрага ўралишиди. Қизлар атласга ўралишибди.

**2** айн. ўралашмоқ **3.** Борсам, чўти олдида, Ойнак тақиб олибди. Ҳисобига етолмай, Уралишиб қолибди. Т. Тўла.

**УРАЛМОҚ I** ўрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Фолбин оғзини йиғичтириб, латтага чандиб ўралган, катталиги данакдай бир нимани енг учидан чиқариб берди. Ойбек, Қутлуг қон. [Бордин:] Бечора Умар! Улар босмачи-

лар орасида ўралиб қолди. И. Султонов, Бургутнинг парвози. Албатта, хўжайинники — ноҳақ. Боласи билан ўралиб қолди, энди ишлай олмайди. Ойбек, Қутлуг қон.

**2** Айланиб ёпишмоқ, чирмашмоқ; ўрашмоқ. Қарнайул ипага ўралиб ўсади. Илон боутоққа ўради. — Қовоқ палагига печак ўралиб, Яшириниб сўрига чиқди буралиб. «Муштум», 1960, № 12.

**3** Ип, арқон, сим, тўр каби нарсаларга илиниб, чулганиб ҳаракат қилолмай қолмоқ; ўралашмоқ. Қўй арқонига ўралиб қолмасин.

**УРАЛТИРМОҚ** ўралмоқ фл. орт. н. **УРАМ I I** Ураб калава ҳолига келтирилган, ураб қўйилган. Икки ўрам ип. — Ойша трактор орқасидаги бир ўрам арқонни олиб унга улоқтирди. С. Аҳмад, Икки хикоя.

**2** Тахлаб бирор нарса билан ўралган, боғланган. Дастурхонга бир ўрам қоғоз пул қўйди. Н. Мақсудий, Юксалиш. Урмонжон тоқчага суяб қўйилган бир ўрам қоғоз ичидан бир тахтасини олиб Қурбон отанинг олдида ёйди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**3** Бир ўрашга етарли, бир марта ўраса бўладиган. Бир ўрам махорка.

**УРАМ II** диал. Маҳалла; квартал. Ўрам комитети.

**УРАМА I** от Ёйилган энсиз хамирдан чамбарсимон бирин-устин ўраб, ёгда пишириладиган овқат.

**2** сфрт Бир неча марта айлантириб ўраладиган, ўраб боғланадиган. [Жонузқота] ўрама белбоғига қистиригиллик турган иргай дастали қамчисини ўйнай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**УРАМАЛАМОҚ** Бирор нарса билан ўраб беркитмоқ, ёпмоқ. Отни ўрама-ламоқ. — Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб йўтални қистатар, у [Отабек] чалқанча ётган куйи оғзини ўрама-лаб, кўмак кутган каби кўкка кўзини тиккан эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**УРАМОҚ I** Бирор нарса билан ҳар томондан ёпиб беркитмоқ, чулғамоқ. Қитобни газетага ўрамоқ. Чақалоқни аделга ўрамоқ. Ҳожиҳоннинг эгаси Фуод афанди рўмолага бир нима ўраб кириб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қон оқиб, бармоғи ачий бошлагандан кейин, рўмолчага кафтини ўраб олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Эргаш] асабий титраган бармоқлари билан махорка ўради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Кўринмайдиган қилиб беркитмоқ, тўсмоқ, ёпмоқ. Ҳожи уларнинг олдида — юзага чиққан, Офтоб ойим салом бериб, рўмоли билан томоқ остларини ўраб олди. А. Қодирий, Утган кунлар. Булутларга ўраган Қуёш ўтли юзини. Ғайратий. | Бошини беркитмоқ, бошга ёпмоқ, танғимоқ. Қосинка ўрамоқ. — Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир икки қоқиб, яна ўради М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Бирор жойни қуршаб пана қилмоқ, тўсмоқ, беркитмоқ, нхота хосил қил-

моқ. Ҳовлини тахта девор билан ўрамоқ. Боғни панжара билан ўрамоқ. — Зирқлар тўрт тарафни девордек ўраб турар.. эди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Қизил аскар.. ёғоч панжара билан ўралган уйнинг олдида келди-да: «Она! Она!» деб қиққирди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**3** Атрофидан бир неча бор айлантириб жойламоқ, боғламоқ. Белга фўта ўрамоқ. Бўйинга шарф ўрамоқ. Ярани бинт билан ўрамоқ. Пайтава ўрамоқ. — Мاستон калта, аммо йўғон икки ўрим сочини бошига ўради. А. Қаххор, Мاستон. Муқимий.. салла ўраб, озода кийим кияр, табиати баланд, лексин бир оз камгапроқ одам эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | Айланма ҳаракат билан чирмаб йиғмоқ, тўпламоқ (ип, сим ва ш. к. ҳақида). Ипни копток қилиб ўрамоқ. Симни ғалтакка ўрамоқ.

**4** Атрофига тизилиб олмоқ, қуршамоқ. Райком секретари билан колхоз раисини Олимжон, Бекбўта, Қарим ва Умурзоқ ота ўраб олган эдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Эшон ая Бўтанинг ёқасига ёпишиди. Атрофни одам ўради. С. Аҳмад, Ҳукм. Мен бир тўда жанечилар билан боининг кўрасини ўраб олам. Х. Фулом, Машъал.

**5** Най шаклига келтириб йиғмоқ. Қартонни ўрамоқ. Кўрага ўраб қўймоқ.

**6** кўчма Ишғол қилмоқ, банд этмоқ, эгалламоқ; босмоқ. Ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Унинг юрагини қарама-қарши ҳислар, кечинмалар ўради. Ойбек, Қутлуг қон.

◆ Пилла ўрамоқ пилла хосил қилмоқ (ипак қурти ҳақида). Қурт пилла ўради. Оқ пилла ўрайдиган ипак қурти.

**УРАНОМҚ** ўрамоқ I фл. ўзл. н. Юзлаб кампирлар увадаларга ўраниб, қўлларини чўзиб товушларининг бори-ча бақирадилар. Ф. Расул, Адолат.

**УРАНТИРМОҚ** ўранмоқ фл. орт. н. Равшанбекни ювинтириб, бахмалга ўрантирди. «Гўрўғли».

**УРАТМОҚ** ўрамоқ фл. орт. н. Камолжон чўмилиб чиққандан кейин, Остонақул унга шоҳи тўн кийгизиб, салла ўратди. Жўрабоев, Мулла Б. м. **УРАШМОҚ I** ўрамоқ I—5 фл. бирг. н. Қизлар рўмол ўрашади. Кампирлар ип ўрашади.

**2** Уралмоқ, чирмашмоқ, илашмоқ. Зебихон ариқ бўйида толга ўрашиб чиққан чирмовиқнинг карнай гулидан биттасини узиб, кўкрагига настега қаратиб тақиб олди. С. Аҳмад, Уфқ.

**УРА-УРА** Бир неча ўра тўла, кўп. Ўра-ўра картошкамиз бор. — Одамлар ўра-ўра силос бостирсалар, бизда бир грамм ҳам йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УРГАМЧИ** диал. Ўргимчак.

**ЎРГАМЧИҚ** 1 Ўрганиш, тажриба учун қилинган; дастлабки. *Ўргамчиқ иш.* — *Муҳаммад Жамол эндигина шеър ёзишга уринар ва ўргамчиқ тарзда ёзар, қиз эса иштиёқ ва мароқ билан тинглар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Бирор ҳунар ёки касбни энди ўзлаштириб келаётган. *Ўргамчиқ тукувчи. Ўргамчиқ шофёр.* || *Тажрибали тракторчи, универсалчилар жуда оз. Ишимизнинг бир қисми янги ўргамчиқларга қолди.* И. Раҳим, Ҳилола.

**ЎРГАНИЛМОҚ** ўрганмоқ *фл. мажҳ. н.* Қоннинг таркиби яхши ўрганилган. *Меҳнатни рационаллаши масаласи ўрганилмоқда.* Бу ерда одам анатомияси ўрганилади.

**ЎРГАНИШМОҚ** ўрганмоқ *фл. бирг. н.* Курсантлар ҳарбий техникани чуқур ўрганишади. Болалар эрта туршига ўрганишган.

**ЎРГАНОҚ** 1 Билим, тажриба, малака, маҳорат ва ш. к.ни ўзлаштирмоқ, эгалламоқ. *Бировдан иш ўрганмоқ. Илғорлар тажрибасини ўрганмоқ. Одоби беодобдан ўрган.* Мақол. *Оз-оздан ўрганиб олим бўлар.* Мақол. — *Оқимга қарши сузишни ота-оналаримиз бизга яхши ўргатмаган экан, мана энди қолганини болағаримиздан ўрганилмиз.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бу ерда цехлар ичра Станок тилин Бошдан оёқ ўрганган.* Ғайратий. **Ақл ўрганмоқ** бировдан бирор иш-ҳаракатни бажариш усулини, йўл-йўриғини билиб олмоқ. | *Малака ҳосил қилмоқ, тажриба орттирмоқ.* — *Собиржон, ўғлим,— деди [Курбон ота] секин ўр-нидан турар экан,— силар сўранглар, мен жавоб берай.* Ўзим гапиролмайман, ўрганмаганман. А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Дикқат билан, синчиклаб кузатиб, текшириб яхши билмоқ, тушуниб олмоқ. *Фактларни ўрганмоқ. Бировнинг характерини ўрганмоқ.* — *Буни, албатта кўрамиз, текширамиз, ўрганамиз, тагига етмиш, ўзимизнинг кучимиз етмаса, Иван Петровичга арз қиламиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Илмий текшириш туфайли бирор нарса ёки ҳодисанинг нималигини, табиатини билмоқ; тадқиқ қилмоқ, текширмоқ.* *Фан асосларини ўрганмоқ. Ўзбек шеваларини ўрганмоқ. Атом сирини ўрганмоқ. Қосмик фазони ўрганимоқ.*

3 Бирор нарса ёки иш-ҳаракат билан доим шуғулланадиган бўлиб қолмоқ, шунга одатланмоқ. *Елғизликка ўрганмоқ.* — *Сафар бўзчи... бир неча мартаба келиб Анварнинг меҳмонхонасига ўрганиб қолган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ун йил ичида у [Мамарайим] кирмаган кўча қолмади: наркини ўрганди, қорабори эди, тактярларга кириб кўкнори ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎРГАТИЛМОҚ** ўргатмоқ *фл. мажҳ. н.* Табиий, у кўнди, шу йўсин эртага ўйналадиган томошага Султналининг хотини ҳам ўргатилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЎРГАТИШМОҚ** ўргатмоқ *фл. бирг. н.* *Онанга, отанга раҳмат, сенга иш ўргатишибди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЎРГАТМОҚ** 1 Бировга бирор иш-ҳаракатни бажариш усулини, йўл-йўриғини тушунтирмоқ, билдирмоқ, шу ишни мустақил бажара оладиган қилмоқ. *Рақс тушишга ўргатмоқ. Қасб-ҳунар ўргатмоқ.* — *Хулкарнинг тоғаси Норбой ота Авазга қўй боқишни ўргатди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Уни катта ёшдагиларга хос усул билан ўқитиб, икки-уч ой ичида русча ўқиш-ёзишга ўргатиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Болта кўтариб одам овлашни сизга ким ўргатди?! А. Қаҳҳор, Бек.* | Бирор нарса ни тушунтирмоқ, сингдирмоқ, бу ҳақда таълим бермоқ. *Отинойи бир хилдаги сўзларни чарх билан аллантура беришдан зерикди шекилли, кўсак чувиётган Холмирзага адаб ўргатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ақл ўргатмоқ** бировга бирор иш-ҳаракатни бажариш усулини тушунтирмоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ. *Иш ёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.* Мақол. | Бирор нарса ҳақида илмий тушунча бермоқ, билим бермоқ. *Фан асосларини ўргатмоқ.*

2 Бирор нарса ёки иш-ҳаракат билан доим шуғулланадиган қилмоқ, шунга одатлантирмоқ. *Болани эрта туришига, салом беришига ўргатмоқ.* — *Оқсоқол аввалги тилмочни ҳам уйига ўргатиб олган эмиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Князь учта отдан иккитасини бериб юборди, Қолган битта отни коляскага ўргатгин деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор тарзда яшашга мажбур қилмоқ ёки кўнктирмоқ. *Маймун боласини уйда яшашга ўргатмоқ.*

**ЎРГАТТИРМОҚ** ўргатмоқ *фл. орт. н.* **ЎРГАТИЛМОҚ** 1 Юксак ҳурмат, садоқат ва севги туфайли бутун борлиғини бахш этмоқ, фидо қилмоқ, қурбон қилмоқ. *Зарари йўқ, Махсум, шариатдан ўргилсак ҳам арзийди.* Сиз билан менга ўхшаш аҳли мўминларга истаганимизга йўл топиб беради. «Муштун», 1959, № 14. [Роҳила:] Қизим, онанг ўргилсин, одамлар излаб тополмаган бахт сени қидириб юрган экан! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Айланиб ўргилмоқ** бирор нарсанинг шайдоси, мафтунни бўлиб қолмоқ, ўшанга айланишиб қолмоқ.

2 (буйруқ м. ф-да) Ниҳоятда севганликни, ўзини қурбон қилишга тайёрликни ифодалаш учун қўлланади. *Ўргилай бошингдан у бир лаҳза қурбонинг бўлай.* Навоий.

◆ **Ўзинг пиширган (ёки қилган) ош,** айланиб ҳам ичсан, ўргилиб ҳам ҳеч қаяққа ташлаб кетолмайсан, воз кечолмайсан, ўзингники. **Қулинг ўргилсин қ. қул.**

**ЎРГИМЧАҚ** Ўзига овқат бўладиган хашаротларни тутуш учун тўр ин тўқийдиган бўғин оёқли хашарот. *Ўргимчак уяси.* — *Деворлари, ишлари ўргимчак иналари, ипир-ипир қора*

*ислар билан қопланган.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЎРГИМЧАККАНА** Ўсимлик ширасини сўриб яшайдиган, ўргимчакка ўхшаш майда хашарот. *Ширани, ўргимчакканани қийратгунча қанча овораи сарсон бўлган эдик.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЎРДА тар.** 1 Турк-мўғул халқларида бир ёки бир неча қабиллага мансуб уруғ-аймоқларнинг йиғилиши, йиғини.

2 Турк-мўғул давлатлари бошлқларининг қароргоҳи, пойтахти. *Юсуфбек ҳожи бошлиқ еру кўкка сигмакан музаффар халқ ўрда теварагини қуршаб тушиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муллажон ёшлигида Қўқон хони ўрдаси олдидаги казарма майдонидо отда машқ қилаётган солдатларни қўриб, солдат бўлишни орзу.. қиларди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

◆ **Олтин Ўрда** турк-мўғул кўчманчи қабилалар иттифоқидан иборат феодак давлат.

**ЎРДАК** Бўйни калта, оёқлари қисқа, сувда сузиб юришга мосланган ялпоқ тумшукли қуш. *Ёвойи ўрдак. Хонаки ўрдак. Ўрдак тухуми.* *Ўрдак овламоқ.* — *Дунени сув босса ўрдакка нима қайғу? Мақол. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан илғийди.* Мақол. — *Соҳилида чайқалар қамиш, Учиб ўтар баъзан ўрдак, ғоз. Ё. Мирза. || Доим юзи ва силлиқ таралган сочларидан тортиб, ўрдак бурун, фарч-фарч этишигача бутун қиёфасида салобатлик намоян эди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Бошида ҳозиргина тахтақадан чиққан тагдўзи дўпни, ичкаридан ўрдак юриши қилиб лапанлаб чиқди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЎРДАЛИК** Ўрдада яшайдиган. | Ўрдада хизмат қиладиган, амалдор. *Ўрдаликка гап уқдириш қиёматдан қийин, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЎРДИРМОҚ** 1 ўрмоқ 1 *фл. орт. н.* *Ота ўғлига беда ўрдириди.*

**ЎРДИРМОҚ** II ўрмоқ II *фл. орт. н.* [Кумуш] сочини қатиқлаб, совунаиб ювгач, онасидан иккита қилиб ўрдириди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎРДУ** эск. Қўшин, лашкар. *Ғалаба қўшини, меҳнат ўрдуси, дейди бизни тарих!* ..Тўлқинларда ўсдик ўктам бўлиб. Миртемир.

**ЎРДУГОҲ** Қўшин қўнадиган ёки турадиган жой, лагерь. *Қўп беклар ва йеитлар ўрдугоҳдан қоча бошлаган эдилар.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Ярим кечада, бутун ўрдугоҳ уйқуга кетганда, у [Спитамен] ташқарига чиқиб бир айланиб келди.* М. Осим, Искандар ва Спитамен.

**ЎРИҚ** 1 Гули оқ ва пушти, меваси эса, оқиш, сарғиш, қизғиш рангларда бўладиган йирик дарахт. *Ўриқ гули.* *Ўриқ кўчати.*

2 Шу дарахтнинг данакли меваси. *Оқ ўриқ. Ўриқ мураббоси.* — *Мен ўйит-ёғни ташлаб бўлиб, ҳовлининг тўрига*

ўрик тергани бордим. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Жуён дастурхона учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик ташлади. А. Қаххор, Қўшчинор.

**УРИКЗОР** Ўрик дарахлари ўсган ер, майдон. *Урикзорда қизил қўйлақли бир аёл кўринди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**УРИКФУРУШ** Ўрик савдоси билан шуғулланувчи киши. *Шахардан қайтаётган ўрикфуруш ҳам, майизфуруш ҳам, донфуруш ҳам, эндиликда унинг карвонсаройида тунуб, қовоқхонасида кайф қилиб кетади.* Ғ. Фулом, Машъал.

**УРИЛМОҚ** I ўрмоқ I фл. мажж. н. Буғдой ўрилди. Беда уч марта ўрилди.

**УРИЛМОҚ** II ўрмоқ II фл. мажж. н. Майда ўрилган қора узун кокиллар белига тушади, ениги йўргалаган сари ёйилиб силкинади. Ойбек, Қутлуг қон.

**УРИМ** I Буғдой, беда каби экинларни ёки ўт-ўланларни пояси тагидан ёппасига қалғи, ўроқ ва комбайнда қирқиб олиш. *Ғалла ўрими.* Биринчи ўрим. *Урим асбоблари.* — Адирларда ўрим боради, Уватларда ўтлайди пода. Ҳ. Салоҳ. | Буғдой, беда каби экин ёки ўт-ўланларни ўриб-йиғиб олиш мавсуми. *Урим бошланди.* **Уримга келди** ўсиб, ўриб олиш учун етилди. *Пастдаги бўлимларнинг экини ўримга келмай, мол қўйиб юборишди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**УРИМ** II Толасини ёки бир неча тутамини бирга қўшиб ўрилган ҳар бир бўлак; ўриб тайёрланган нарса. *Соч ўрими.* Арқон ўрими. — Эшоннинг аччиғи келиб, қамчининг ўримида ушлаб, .. бир калнинг калласига қўйиб юборди. «Зулфизар билан Авазхон». Ашурхон қошларини бир оз чимирганича бир ўрим сочининг учини йўнаб, индамай ўтирарди. С. Зуннунова, Олов.

**УРИМ-ЙИГИМ** Дехқончилик ҳосилни йиғиштириб олиш мавсуми, йиғим-терим. *Ёз бор, кўз бор, пишиқчилик, ўрим-йиғим бор, худо хоҳласа.* П. Турсун, Уқитувчи.

**УРИМ-ТЕРИМ** айн. **УРИМ-ЙИГИМ.** **УРИМ-УРИМ** Бир неча ўримдан иборат (соч ҳақида). *Иккинчи ойлاردан бошлаб Хушрўй кундошини бўйиб уриш одатини чиқарадир ва ўрим-ўрим кундош сочини алафдек олиб олишдан ҳам тортинмайди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**УРИН** (3-ш. бирл. ўрни) I Бирор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ёки ишғол қилиши мумкин бўлган ер, сатҳ ёки фазо; жой. *Тошини ўрнидан қўзғатиб бўлмади.* Утирган ўрин топади. Матал. — *Батъилари ўтирган ўринларида мудраб қолишбди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мактаб қишлоқнинг қоқ ўртасида бўлади.* *Ху ана у ерга идора, клуб тушади.* *Мана бу тўқайининг ўрни бог бўлади.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Сафар бўзчи турган ўрнидан силжимади.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. | Бирор кимса ёки нарса учун мўлжалланган ёки белгиланган махсус жой. *Кондуктор*

*ўрни.* *Автобусда яна бешта бўш ўрин бор.* *Яшиқни ўз ўрнига қўймоқ.* — *У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд.* П. Қодиров, Уч илди.

2 Ухлаш, ётиб дам олиш учун тўшаб қўйилган кўрпа, ёстиқ ва ш. к. мажмуи; жой. *Муҳаббат чирой танламас, ўйқу — ўрин.* Мақол. *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Комил кетгандан кейин Бўронбек уйига кириб, чинни косада тўлдириб бўза симириди-да, ўрин солиб ётди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

3 Яшаш учун бошпана, турар жой, маскан. [*Қутидор:*] *Уятсиза менинг уйимда ўрин йўқ.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

4 Бирор нарсанинг маълум бир жойи, қисми, бўлаги. *Эртақнинг баъзи ўринларини қолдириб кетмоқ.* *Мақоланинг айрим ўринларига тўзатиши киртилди.* — *Қумушбиби хатнинг бу ўрнига етганда қизариниб, бир оз ўқишдан тўхтаб олди ва давом этди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

5 Бирор иш-ҳаракат қилиш учун зарурат, ҳожат; эҳтиёж ёки шарт-шароит.—*Йўқ,— деди у [Элмурод] яна ўзича,— менинг номус қилишимга ўрин йўқ.* П. Турсун, Уқитувчи. *Иккови, бошқа ҳеч кимнинг аралашшига ўрин қолдирмай, даҳанаки жанг қилишар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Элмуроднинг гапирини учун ўрин қолмаган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

6 Иш, хизмат; вазифа, лавозим. *Ўрнини эгалламоқ.* *Ўрнидан бекор қилмоқ.* *Эски раиснинг ўрнига янгиси сайланди.* — *Халқ иши бўлгандан кейин ўрнининг катта-кичиги бўлмас экан, Эргашвой.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ўрнини босмоқ* бошқа кимса ёки нарса хизматини бажармоқ, вазифасини ўтамоқ. *Палов ўрнини шавла босмайди.* — *Унинг [Асроранинг] бунақа ишларини кўрганлар:* «*Бу қиздан бир бало чиқади.* *Унта ўғилнинг ўрнини босади*»,— дейишарди. С. Аҳмад, Уфқ.

7 Қимсанинг ҳаётда, жамиятда ишғол этган мавқеи, нуфузи. *Унта бўлса ўрни бошқа.* Мақол. — *Ўтмишдаги санъаткорлар ичиди қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | *Маълум соҳада эгалланган мавқе, даража.* *У бокс бўйича иккинчи ўринни эгаллади.* *Бу команда футбол бўйича охирги ўринда турибди.* — *Бу орада [Давлатбекое] бўлими сўт топириши ва пичан ўрши плани бўйича биринчи ўринга чиқди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

8 (3-ш. эгалик ф-да) Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун қулай фурсат, пайт, маврид. *Ўрни келса отангни ҳам аяма.* Мақол. — *Бўлак гапларни ўрни билан гаплашармиз.* *Биз томонларга ҳам боринг.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ўрни келмаганда мен ҳам гапирмас эдим.* А. Қаххор, Хотинлар.

9 Грамматик терминлар таркибида келиб, макон маъносини ифодалайди.

*Ўрин келишци.* *Ўрин равиши.* *Ўрин эргаш гап.* *Ўрин ҳоли.*

10 3-ш. эгалик ва ж. к., ў-п. к. аффикслари билан кўмақчи вазифасида қўлланади (қ. ўрнига, ўрнида).

11 Ўрин (эркаklar исми).

◆ **Кўнгли ўрнига тушмоқ** хотир-жам бўлмоқ, таскин топмоқ; хурсанд бўлмоқ. [*Собир ака:*] *Хўш, кўнглинг ўрнига тушдимми?* О. Ёқубов, Чин муҳаббат. **Ўрнига келтирмоқ** ёки **ўрнига қўймоқ** жуда яхши бажармоқ, ўринлатмоқ. [*Қодиров*] *колхозчилар йўл-йўлакай қўл қовуштириб салом беришларини, иззат-ҳурматини ҳамиша ўрнига келтирувларини истайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**УРИНБОСАР** I Бирор кимсанинг ишини давом эттирадиган, мавқеини эгаллайдиган шахс, муносиб шогирд. *Олимнинг ўринбосарлари.* *Ўзига ўринбосар тайёрламоқ.*

2 Бошлиқ ёки раҳбарнинг вазифасини бажариш ҳуқуқига эга бўлган расмий ёрдамчи; муовин. *Директорнинг ўринбосари.* — *Сизни ўзимга ўринбосар қилиб олганимда умидим катта эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЎРИНДИҚ** Ўтириш учун мўлжалланган махсус мослама (мас., стул, кресло, диван ва ш. к.). *Ўриндиқда ўтирган қиз сакраб ерга* тушиди. М. Назаров, Сирли хат. *Самолётда учини роҳат, ичи уйингдайдай саранжом-сарийшта, ўриндиқлари юшиқ.* З. Акрамов, Хиндистон лавҳалари.

**ЎРИНДОШ** I айн. **ўринбосар.** *Партия ёшларни .. кекса революционерларга муносиб ўриндош бўлишлари керак, деб ҳисоблайди.* А. Хамидхўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.

2 Ўриндошлик йўли билан ишловчи шахс.

**ЎРИНДОШЛИК** Ўзининг асосий иши билан бирга бошқа лавозимда ҳам ишлаш. *Вазифани ўриндошлик йўли билан бажармоқ.*

**УРИНЛАМОҚ** I Адо этмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ. *Лафзи ҳалол қуролдош дўстлар Уринлайди аҳду паймонинг.* Ё. Мирза.

2 Амалга ошмоқ; ижобий натижа бериш. [*Сафар бўзчи:*] *Ариза ўринласа яна билармиз, мирбоши.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**УРИНЛАТМОҚ** Яхшилаб, кўнглидагидек қилиб бажармоқ, ўрнига қўймоқ, дўндирмоқ. *Шерназарбой ўзини мақташга уста бўйиб, гапни жуда ўринлатар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу йил звеновойликни ўринлатинг, келаси йили, албатта, бригадир бўласиз.* Уйғун, Дўстлар.

**УРИНЛАШМОҚ** айн. **ўрнашмоқ.** *Агар худо ёрлақаб эписиниғизда ўринлашиб олсам, у ёгини ўзим билар эдим.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Меҳмонларнинг кўпчилиги ўринлашиб олган.* С. Қароматов, Тоғлар табассуми.

**УРИНЛИ** I Миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, неча кишига мўлжалланганлиги, қанча киши

элтишлигини ифодалайди. Тўрт ўринли енгил машина. Олти юз ўринли зал. Колхозда элик ўринли касалхона ишга туширилди.

2 Ҳақиқатни ифодалайдиган, адолатли; асосли, тўғри. Уринли мулоҳаза. Уринли фикр. Уринли маслаҳат. ■ Ҳасан сўфи билан Алим бува Қудратнинг ўринли гапларини жон қулоқлари билан тинглади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. || Худо, афтидан, нима дейишини билмай қолди, чунки уста Турдиалининг гапи ўринли эди. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. | Жониз, муносиб. Агар ўхшатиш ўринли бўлса, ...

3 Ўз жойида, ўрни билан, заруриятга кўра; тўғри. Уринли харажат. Уринли сарф. || Минерал ўғитларни ўринли ишлатмоқ.

**УРИНСИЗ** 1 Асоссиз, бесабаб, беҳуда, ортиқча, ноўрин, Уринсиз ғазаб. Уринсиз араз. || Уринсиз аразмамоқ. Уринсиз коймоқ. ■ Отабек ўзининг ўринсиз гапидан уялганнамо ерга қаради. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Аммо бу шубҳа томон ўринсиз бўйли чиқди. Уйғун ва И. Султон, Навоӣ. Марҳамат ҳам, Олимов ҳам Қудратнинг тўғри сўзлигини билганлари учун, ундан ҳа деб гумонсирайвершини ўринсиз ҳисобладилар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳозирги вазиятга алоқаси бўлмаган, ёпишмайдиган; ноўрин. Ойқиз бу ўринсиз луқмани эшитиб ҳайрон бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — Тошкент кетишга уни нима мажбур қилди? — деб ўринсиз бир савол берган эди қушбеги, Қумушбиби унинг нима учун кетганлигини айтиб уни қаноатлантирди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Бирор заруратсиз қилинган; фойдасиз, ноўғри, беҳуда, чакки. Уринсиз сарф. Уринсиз харажат. || Уринсизга киши ўлдиришлар, вақтсиз ҳам ўринсиз солиқ солишлар, беҳуда ўрда исрофотлари, бўлмағур тақиқлар ва ортиқча диний тақаллуфотлар бир мунча эга олиндилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**УРИНСИЗЛИК** ўринсиз с. белги оти. Гапнинг ўринсизлиги. Сарфнинг ўринсизлиги.

**УРИС** эск. с. т. Рус. Урис хотин. ■ Урис амалдорга тегажоглик қилишни унга ким қўйибди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**УРИСЧА** эск. с. т. Русча. Қани энди, мен ҳам ўрисчани шариллатиб ўқийдиган бўлсам. С. Аҳмад, Хукм.

**УРИШ** I ўрмоқ I фл. иш оти. Давлатбеков... пичан ўрши графинини ошириб бажаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти. П. Қодирӣ, Қора кўзлар.

**УРИШ** II I ўрмоқ II фл. иш оти. Сочларини қирқ кокил ўришларини айтинг. Шухрат, Шинелли йиллар. 2 тех. Тўқиманинг, матонинг узунасига ўтган иплари. Уриш ва арқоқдай Текис зехнимда Тўқилишга тайёр Янги қўшиқлар. Ф. Фулом.

**УРИШМОҚ** I ўрмоқ I фл. бирг. н. Деҳқонлар беда ўришиди.

**УРИШМОҚ** II ўрмоқ II фл. бирг. н. Қизлар сочларини ўришиди.

**УРКАЧ** Туянинг орқа сиртида битта ёки иккита бўладиган қалин ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта. Уни [туяни] ҳеч ким қистамайди, етакламайди ҳам, худди машинадай, ўз ишини ўзи билади: ўрқачларини диркиллашиб лўкиллаганича, бир йўлдан тинмай бориб-келиб туради. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Нор ўрқачин туширар эсга Дарё бўйидиги тепалар. Э. Раҳим.

**УРКАЧДОР** Йирик, катта ўрқачли. Урқачдор туя.

**УРКАЧЛАНМОҚ** Урқачга ўхшаб кўтарилмоқ. Дарё суви тошга урилиб ўрқачланади.

**УРКАЧЛИ** Урқачи бор. Урқачли туя. Икки ўрқачли туя.

**УРЛАМОҚ** Юқорига, тепаликка томон юрмоқ, чиқмоқ. Тоққа ўрлаб Очил кетиб боради. Фозил шоир. [Холбек] қўйларни нарёқдан кўринадиган қилиб ёйиб қўйди-да, тоиларга тармашиб, юқорига ўрлаб кетди. П. Қодирӣ, Қора кўзлар. | Кўкка томон кўтарилмоқ. Қуюқ тутун кўкка ўрлайди. ■ Султон улардан [қўнлардан] қочиб, машинани дам чапга, дам ўнга бурди, ниҳоят қутулдик, деганимизда яна биттаси рўпарамиздан осмонга ўрлаб қолди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**УРЛАТМОҚ** ўрламоқ фл. орт. н. Қўйларни тоққа ўрлатмоқ. ■ Бағзилари каттакон чилимда наша тортиб, пага-пага тутунини осмонга ўрлатар эди. Ғайратий, Унутилмас кунлар.

**УРЛАШМОҚ** ўрламоқ фл. бирг. н. Ён-веригаги тизма тоғларни менсимаяндай, бошини осмонга тираб, гердаиб турган Қашқатовга томон ўрлашди. С. Анорбоев, Оқсой.

**УРМА** Ўриб, эшиб тайёрланган. Урма арқон. ■ Сувожон нақ елкасига тушай деган ўрма қамчиға чап берди. С. Анорбоев, Оқсой.

**УРМАК** Шолча ёки гилам тўқийдиган маҳаллий дастгоҳ. Уйнинг соя томонига Санам хола узун қилиб ўрмак қурган. П. Қодирӣ, Қора кўзлар.

**УРМАЛАМОҚ** I Юрмоқ (хашаротлар ҳақида). Қўнғиз ўрмалайди. Қирқоёқ ўрмалаб кетмоқда. Даҳадан турган қуртлар баре қидириб ўрмаламоқда. ■ Адирда бир чумоли ўрмаласа у [бобо] сезар. К. Муҳаммадий. | Хашаротга ўхшаб юрмоқ, судралиб юрмоқ. Танқлар далага ёйилиб, ўт пишқириб, ҳар ёқдан ўрмалаб келарди. Ойбек, Куёш қораймас. | Ерга ётиб оёқ ва қўллари ёрдамида силжимоқ, эмаклагоқ. Бектемир душман мудофаасига яқин жойдан ўрмалаб келган бир танкистнинг бетига қарашга ботина олмади. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Юқорига томон тирмашмоқ, ёпишиб чиқмоқ, кўтарилмоқ. Элмурод

қалбига милтиқ товушлари билан кираётган қувонч таъсиридан ҳовлиқиб, том устига ўрмалади. П. Турсун, Ўқитувчи. [Болалар] гоҳ тик қояга ўрмалар, илон изи бўйли кетган сўқмоқдан пластikka — дарага тизилишиб тушиб боришарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Оқмоқ, жиждираб ўтмоқ (сув ҳақида). Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп ғўза тирилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**УРМАЛАТМОҚ** ўрмаламоқ фл. орт. н. Қир келса қиялатиб, Ур келса ўрмалатиб, ХВСни бошқарар, Не қизлар гумбурутатиб. «Кўшиқлар».

**УРМАЛАШМОҚ** ўрмаламоқ фл. бирг. н. Чумоллар ўрмалашди. ■ Қузатув пунктига ўтиб, дурбиндан қаради. Урмалашиб келаётган танқларни санади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**УРМАЛОВЧИ** ўрмаламоқ фл. иш оти. Урмаловчи трактор.

**УРМОН** Дарахтлар билан қопланган катта майдон; дарахтзор. Қалин ўрмон. Урмон хўжалиги. ■ Петербург остонасидаги ўрмонларда дарахт қулатади. П. Турсун, Ўқитувчи. Улар фақат кечга яқин қалин ўрмон билан ўралган кичкинагина бир қишлоққа етишиб келди. А. Раҳмат, Соқов бола.

**УРМОНЗОР** Урмонли жой; ўрмон, дарахтзор. Бир ёни сой, бир ёни қалин ўрмонзор эди. Уйғун.

**УРМОНЛИ** Урмони бор; ўрмон билан қопланган. Урмонли тоғ. Урмонли жой.

**УРМОНЛИК** айн. ўрмонзор. Қўларидан ўт сочди. Урмонликдан тун қочди. Ҳ. Олимжон

**УРМОНЧИЛИК** Халқ хўжалигининг ўрмон ҳосил қилиш ва ўрмон маҳсулотини тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳаси. Урмончилик совхози. Урмончилик саноти.

**УРМОНШУНОС** Урмончилик мутахассиси. Урмоншунос олим. Урмоншунослар тайёрламоқ.

**УРМОНШУНОСЛИК** Урмон ҳаёти, ўрмонлар яратиш ва ўрмон маҳсулотидан фойдаланиш ҳақидаги фан.

**УРМОҚ** I Донли ўсимлик ва ўтларни тубидан чолғи, уроқ, комбайн ва ш. к. билан қирқиб олмоқ. Арпа ўрмоқ. Ҳар ким экканин ўрар. Мақол. ■ [Бекбой]: Уроқ ясашиб беринг, мен ҳам бугдой ўраман деб жони-ҳолимега қўйдими бу қизча. Н. Сафаров, Дон. Далаларда иш қайнайди: кимлар пахта терарди, кимлар беда ўради, кимлар шудгор қилади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

◆ Арпангизни хом ўрдимми? қ. арпа.

**УРМОҚ** II Толани ёки уларнинг бир неча тутамини бир-бирига чалмаштириб тўқимоқ, эшмоқ. Сочни ўрмоқ. Қамчи ўрмоқ. ■ Келанг етим қолган қизнинг Сочларини ўриб йиғлайди. Э. Раҳим. Отаг чиганоқли асбобларни тақиб, елини қизил латталар билан ўриб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди. Ойбек, Қутлуғ қон.

Сочларингени тўлқинлатиб ўрдингми? Эркин эллар парвозини кўрдингми? Миртемир.

**ЎРМОҚ** III диал. Ўрламоқ. Ёлғиз оёқ йўлдан қирга томон ўриб чиқаётган бир тўда аёлларни ўз оғзига қаратиб бораётган Маъсумойнинг сўзини кимдир бўлди. Н. Сафаров, Дон. | Ўрмаламоқ, юрмоқ. Чироқ ёруғида турли ҳашаротлар ўради. ■ Дасталарга чиққан қуртлар, пилла ўраш ўрнига ўриб юрар, якка-ярим ўраганлари ҳам пиллани тешиб яна чиқиб кетган эди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

**ЎРНАК** Бошқалар эргашса, тақлид қилса арзийдиган иш ёки ҳаракат намунаси. **Ўрнак бўлмоқ** (кўрсатмоқ). **Ўрнак олмақ**, **Сақиз қават кўрпада** оёгини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб далага чиқиши — бошқаларга ўрнак. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Шундай оғир**, **мастўлиятли пайтларда** командирнинг шахсий жасорати ва ўрнаги бир онда юзларча одамларни қаноатлантирадиган қандайдир сеҳрли бир кучга эга эканига асло шубҳа қилмасди. Ойбек, Кўёш қораймас. **Совет ҳукумати** сизни Ватанни қўриқлашга чақирса, бошқаларга ўрнак кўрсата оласизми? П. Турсун, Ҳўитувчи. **Сержент меҳнатда** қандай ўрнак бўлган бўлса, **жангда** ҳам жангчиларга ўрнак бўляпти. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ҳолбуки**, **бу тўғрида** **Хатиб домладан** ўрнак олса аллақандача молли, **жонли бўлиб қолар** эди, **деб ўйлаймиз**. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЎРНАКЛИ** Ўрнак бўладиган, бошқалар тақлид қилса арзийдиган; ибратли. **Ўрнакли иш**. **Ўрнакли жасорат**. ■ **Мудир жадал қадам ташлаган ҳолда тўхтовсиз** гапирар, **унинг сўзлари** ҳам ўрнакли, ҳам қизиқ эди. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЎРНАМОҚ** Ўринлашмоқ, ўрнашмоқ. **Стал яхши ўрнади**.

**ЎРНАТИЛМОҚ** ўрнатмоқ *фл. мажж.* н. **Цехда янги дастгоҳ ўрнатилди**. ■ **Айвончага**.. **каравот ўрнатилиб**, **устига бўз** **пашишахона** **тутилган** эди. С. Абдулла, Қувғинда.

**ЎРНАТИШМОҚ** ўрнатмоқ *фл. бирг. н.*

**ЎРНАТМОҚ** I Муайян бир ҳолатда ўрнига мослаб қўймоқ, жойлашмоқ, ўрнаштирмоқ. **Йўлчи шамни қизининг тепасидаги тоқчага ўрнатди**. Ойбек, Қутлуғ қон. **Аҳмаджон чакалакзордан ўтиб нулемётни снряддан ҳосил бўлган бир чуқур бўйига ўрнатди**. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 **Бунёд қилмоқ**, **ясамоқ**, **қурмоқ**. **Ҳайкал ўрнатмоқ**. **Стенд ўрнатмоқ**. **Майдон ўртасига монумент ўрнатмоқ**.

3 **Бирор ҳолатни юзага келтирмоқ**, **жорий қилмоқ**. **Тинчлик ўрнатмоқ**. **Интизом ўрнатмоқ**. ■ **Ғуломжон дастлабки кундан тортиб мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 **Ишга**, **ўқишга** **ва ш.к.га киритмоқ**, **жойлаштириб қўймоқ**. **Мана**, **Қодиров номига ёзилган хат**, **сизни ишга ўрнатиб қўяди**. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЎРНАТТИРМОҚ** ўрнатмоқ *фл. орт. н.*

**ЎРНАШМОҚ** I **Бирор ўринни ёки жойни эгалламоқ**, **эгаллаб ўтирмоқ**, **ўринлашмоқ**. **У креслога қўлай ўрнашиб олди**. **Иккимиз ҳам бир кунга ўрнашдик**. **Ўрнашиб ўтиринг**. **Жой нотекис бўлгани учун стол ўрнашмади**. ■ **Ҳалғи шох арқоннинг орасига бутоқ-мўтоқлари билан кириб маҳкам ўрнашиб олибди**. П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 **Бирор жойни ишғол қилмоқ**, **бирор жойда яшамоқ**; **хаёт кечирмоқ**, **турмоқ**. **Ётоққа ўрнашмоқ**. **Квартирага ўрнашмоқ**. **У шаҳарга ўрнашиб қолди**. ■ **Шундан кейин**, **Араббой бултур Тошкентга келиб**, **бу ерда ўрнашган эди**. П. Турсун, Ҳўитувчи. **Душман муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган станцияда жуда маҳкам ўрнашган** **ва ҳар қандай қурбон бодалига бўлса-да**, **қўлдан чиқармасликка тиришарди**. Ойбек, Кўёш қораймас. | **Умуман бир жойни банд қилиб турмоқ**, **жойлашмоқ**. **Унка кўкрак қафасига ўрнашган**. **Полк штаби колхоз идорасига ўрнашди**. **Мактаб биноси қишлоқ ўртасига ўрнашди**. **Шаҳар дарё бўйига ўрнашган**. ■ **Колхоз идораси пастаккина кўрмисиз бир уйга ўрнашган**. С. Аҳмад, Ҳўкм.

3 **Ишга ёки ўқишга кирмоқ**; **бирор лавозимни эгалламоқ**. **Директорликка ўрнашмоқ**. **Институтга ўрнашмоқ**. ■ **У вилоят газетасига мастўл котиб бўлиб ўрнашди**. А. Қаххор, Сароб.

4 **Кўчма** **Ўз мавқени мустаҳкамламоқ**, **шу мавқе ёки лавозимни ўз қўлида сақлаб қолмоқ**. **У шу ишга кирдию**, **лекин ўрнашиб қолмади**. ■ **У келганда мамлакатда янги**, **ер юзидаги ҳукуматларнинг ҳеч қайсисига ўхшамаган бир ҳукумат барпо бўлган**, **ўрнашган эди**. А. Қаххор, Сароб.

5 **Кўчма** **Яхши эсда қолмоқ**, **хотирда узоқ сақланмоқ**. **Бу фикр миясига ўрнашиб қолди**.

**ЎРНАШТИРИЛМОҚ** ўрнаштирмоқ *фл. мажж. н.* **Деворлари кимхоб билан ўралган бўлиб**, **катта ойналар ўрнаштирилган эди**. Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

**ЎРНАШТИРМОҚ** ўрнашмоқ *фл. орт. н.* [**Қизлардан бири**.] **Машиналарни шу бугун ўрнаштириб бўла-мизми?** Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. **Йўлчи уни бир жувозкаш майда бойга хизматкорликка — унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштирди**. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎРНИГА** *кўм. вазифасида* **Бадалига**, **эвасига**. **Шавла ўрнига шўрва берилди**. ■ **Расни хабардор қилиш вазифам эди**. **Лекин раҳмат ўрнига шунча таш-**

**виш тортдим**. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. [**Йўлчи**.] **Ош ўрнига суе ичиб яшашга розиман**. Ойбек, Қутлуғ қон. **«Раҳмат»** **демак сўз ўрнига Оёқ билан тепарлар**. Ҳама.

**ЎРНИДА** I *айн. ўрнига*. **Матқовул.. ёш ўрнида**. **Ғазаб тўла кўзлар билан минебошига тикилди**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **Керак бўлган жойда**, **зарурат бўлганда**; **ўринли**. **Гапни ўрнида ишлатмоқ**. **Пулни ўрнида сарфламоқ**.

**ЎРОВ** **Атрофи кишилар ёки нарсалар билан ўраб олинган ҳолат**, **қуршов**. **Бутун шаҳар йиғилиб келди**, **Аравалар ўровда қолди**. Э. Раҳим.

**ЎРОЛ** *фолк.* **Гап ёки нутқнинг боши**, **бошланиш**; **муқаддима**. **Ўзбекка «йўл бўлсин»** **деган сўз гапнинг ўроли бўлади**. «**Равшан**». **Ўзбекининг қизи ҳар сўзнинг ўролидир**: **Эр Алтомиш ёрим бордир**, **Энда зўраворим бордир.. — деб айтади**. «**Алтомиш**».

**ЎРОҚ** I **Ўт**, **беда** **ва бошоқли экинларни пояси билан қирқиб олиш**, **ўриш учун ишлатиладиган**, **бели буккич ўтқир тигли қишлоқ хўжалик асбоби**. **Ўроқ ва болга**. **Ўроқни чархламоқ**. ■ **Йўлчи ўроққа диққат билан тикилиб қаради ва энкайиб ўра бошлади**. Ойбек, Қутлуғ қон. **Эраш қўлига туширган ўроғини олиб яна қўра девори олдига борди**. **Айний**, **Қуллар**. **Машина ўроқ с. т. комбайн**. **Ер одамга қараб экиладиган бўлса**, **колхоздан нима фойда?** **Ҳукумат тракторни**, **машина ўроқни нимага чиқариб қўйибди**. А. Қаххор, Кўшчинор. **Чалғи ўроқ с. т. чалғи**. **Эҳе**, **машина лиқ тўла темир асбоб**. **Бир хили чалғи ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган**. Х. Назир, Чўл хавоси. **Қўл ўроқ айн. ўроқ I**. [**Сотволди**.] **Айтгандай**, **бир қўл ўроқ**, **бир чалғи**, **кетмондан иккита**. П. Турсун, Ҳўитувчи. **Ўроқ ўроқ с. т. ўроқ билан бугдой**, **беда каби ўсимликларни ўрмоқ**. **Очил омоҳга бўйи етиб-етмай қўйи ҳайдаган**, **ёз ойларида отасига қўйишилиб ўроқ ўрган**, **тоғларда қўй боққан**. П. Қодиров, Уч илди.

2 *с. т.* **Ўриш иши**; **ўриш-йиғиш жараёни**. **Авжи ўроқ пайти**. **Ўроқда йўқ**, **машоқда йўқ**, **хирмонда — ҳозир**. **Мақол**. ■ **Қирдаги бугдойлар**, **қўриқлардаги дехқончиликларини саранжомлагандан кейин** **Бердибой тўқайга шולי ўроққа кетади**. А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Ўтганнынг ўроғини**, **кетганнынг кетмонини олмақ** **дуч келган кишига озор бермоқ**, **безорилик қилмоқ**. — **Уша кезлари Бургут босар-тусарини билмай**, **медалларини жаранглатиб ўтганнынг ўроғини**, **кетганнын кетмонини олиб юрди**. — **деди чол**. С. Аҳмад, Чўл бургути. **Қаддини ўроқ қилмоқ** **букилиб таъзим қилмоқ**; **таслим бўлмоқ**.

**ЎРОҚ-БОЛҒА** **Ишчилар ва дехқонларнинг бирлиги**, **иттифоқи** **рамзи сифатида бирининг устига бирини қўйиб**, **чалмаштириб туширилган ўроқ ва**



болга сурати. Унинг бугдой бошоқ қўшилган ўроқ-болга тамғаси сув остида Саодатнинг кўзига ўзгача ярқирамоқда. И. Раҳим, Ихлос.

**ЎРОҚЧИ 1** Ўроқ ясовчи уста, темирчи.

2 Ўриш иши билан шуғулланувчи, ўрувчи киши. Ўроқчининг ёмони ўроқ танлар. Мақол. — Эртасига ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой. Баҳри ҳар ўроқчига ўлчаб бўлиб берар ер. Ҳ. Пўлат.

**ЎРОҚЧИЛИК 1** ўроқчи с. касб орти. Мен қараб турмадим, қада боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 эск. Бозорда ўроқчилар растаси, қатори.

**ЎРОҒЛИ** Ўраб, беркитиб қўйилган, ўралган. Қудратни қўлтиқлаб сўри остидаги стулга бориб ўтирди ва газетага ўроғли блокнотини очди. Ҳ. Назир, Сўнмас нақмоқлар. Хури қўлидаги қогоза ўроғли нарсани Насимага тутқазиб, самимият билан гапирди. Ф. Мусажонов, Хури.

**ЎРТА 1** Сатҳнинг четларидан марказига томон тенг узокликда бўлган қисми, нуқтаси; марказ. Ноннинг ўртаси. Газетанинги ўртаси. Дастурхоннинг ўртаси. Хонанинги ўртаси. Ховузнинг ўртаси. Тарафнинг ўртаси. — У [Сувонжон] девордан бир сакраида ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди. Богъини ўртасида Олсулуғай етди. С. Анорбоев, Оқсой. Шаҳарнинг ўртасида данғилама ҳовлим бор! О. Ёқубов, Учрашув. Тўхта хола ҳовли ўртасидаги сўрига келиб, оппоқ ёстиққа энгашиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Узун нарсанинги икки учидан тенг узокликда бўлган нуқтаси, жойи; бел. Терек ўртасидан сициб кетди. Арқонни ўртасидан кесмоқ. — Уш билан Андижон йўлининг ўртасида шумшайиб ётган Қарабулоқ қишлоғи бирварақасига уйғоңиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Икки ёки ортиқ нарсаларнинг оралиқ қисми; оралиқ. Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртада қишлоқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шарқу ғарб ўртасида катта бир манзил, Чин-Моңидан толиқиб келган карвонлар — Тойланган ипаклари ранго-ранг, асил — Рўмга қараб жўнаркан қадим замонлар. Шайх-зода.

4 Кишилар ёки бир жойдаги нарсалар ораси; қуршов, давра. Ўртада бир неча қизлар рақс тушмоқда — жонли, шўх, тетик рақс. Ойбек, Куёш қораймас. Оломон ичидан Мамажон ўртага шикди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Санам хола билан қандай ярашганини айтиди-ю, қайнанаси пишириб берган варақи сомсаларни ўртага қўйди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 сфт. Ўзига ўхшаш нарсалар орасида ёки қаторида марказий ўринни

эгаллаган. Ўрта бармоқ. Ўрта эшик. Ўрта ҳовли. — Оқсойнинг ўрта кўчасидан бир олиб ўтай, дўсларини қувониб, оғиманларини кўйсин, деб ният қилувдим. С. Анорбоев, Оқсой.

6 Бошланишидан ва охиридан таҳминан тенг узокликда бўлган вақт; ярим. Куннинг ўртаси. Йилнинг ўртаси. Умрнинг ўртаси. || Диван устида қора соқол юзлари чиройли, ўрта ёшли бир эркакнинг қора рамкага солинган каттакон сурати бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 (асосан ў.-п. к. ф.-да) Ҳамма ёки бир неча киши тенг фойдаланадиган ҳолат; тенг шериклик. Ўртада машиналар, Ўртада бу гараж ҳам, Дўст бўламир чинакам. Қ. Муҳаммадий. [Низомиддинов:] Колхоз эмици-а, ҳамма нараса ўртада: Бутун бир қишлоқ бир кўрпада. Ер ўртада, мол-жон ўртада. С. Аҳмад, Хукм.

8 («бу», «шу», «ўша» каби олмошлар билан) Шу ерга яқин жойлар; атроф, теварак. Аввалига ҳамширалар уни шу ўртададир деган хаёл билан роса пойлашибди, кейин қидиришибди. М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. Бизнесинг Марғилонда бир қўз бор, — шундоқ кўхликки, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Беш балли баҳо системасида «яхши»дан паст, «ёмон»дан юқори даражадаги баҳо; ўртача, қониқарли. Уқувчининг билимига «ўрта» қўймоқ. Иншодан «ўрта» олмоқ. — Хўп, ҳозир кўрамиз. «Яхши!» ... «ўрта!».. «ўрта!». «Қани «аъло»? А. Қаҳҳор, Айб кимда.

10 (ч. к., ж. к. ф.-да) Икки ёки бир неча шахс ораси, ора, муносабат. Ўртага оғир сўкунат чўмди. — [Отабекка] нима бўлса ҳам, икки кундош ўртасидан анча гаплар ўтганини бир даража маълум бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўртага тушмоқ 1) ёшқа кишилар орасидаги муносабатга ара-лашмоқ. Хайтовур Саттарқул акам ўртага тушиб, қалҳада қоядирди, яна ишлаб кетдим. Ҳ. Фулом, Тирилган мурда; 2) бирор ишни амалга ошириш ёки бажариш учун киришмоқ. Ҳақ ичи учун тушсан агар ўртага, Юз бош учун бир баи кетсан — маъна баи! С. Абдулла, Тохир ва Зухра; 3) бирор нарсга восита, сабаб ёки баҳона бўлмоқ. [Абдурашул:] Тажрибый ҳам ана шу хўжа уруғиниң камбағалларидан бўлади. Энди, ана шу касофат уруғчилик зилдан ўртага тушиб, ишнинг белига тепади. П. Турсун, Ўқитувчи.

11 Яшаш шароити, касби, мащғулотги бир хил бўлган кишилар ҳаёти; мухит. Балиқчилар ўртасида тушиб қоламоқ. Шахтёрлар ўртасида яшамоқ. Ишчилар ўртасида чикқан олчм.

12 (ў.-п. к., ч. к. ф.-да) Маълум бир воқеа ёки ҳодиса содир бўлган ёки бўлаётган пайт. Ўртадан ўн беш кунлар вақт ўтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўртада бой ҳам ўлиб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу ўртада Оқилжон уй-

ланиш учун менга совчи қирғизди, да-дамега ҳам ўртоқларини юборди. Ойбек, Қутлуғ қон.

13 3-ш. эғалик ва ў.-п.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. ўртасида).

◆ Ўрта маълумот ўрта мактабда бериладиган маълумот. Ўрта мактаб олғий мактабга кириш учун ёки ўртача мутахассис бўлиб ишлаш учун етадиган умумий маълумот берадиган — асосий фанлар негизини ўргатадиган ўн йиллик мактаб. Ўрта (ҳол) деҳқон ёки ўрта ҳол тар. шахсий мулки, ер-суви, от-улови бўлса ҳам, киши кучидан фойдаланмайдиган, қулоқлик даражасига етмаган деҳқон. Қишлоқ аҳолиси Мулла Усар деган ошқ фикрли ўрта деҳқонни комиссар қилиб сайладилар. М. Урихўжаев, Унутилмас кунлар. Ўртамиз бузилиб қолди ўзаро муносабатимиз ёмонлашди, урициб, аразлашиб қолдик. Ўртага олмоқ кўпчилик бўлиб ёки қўллашиб бировга танбех бермоқ ёки бирор нарсга қўндирмоқ. Бир вақт Ёқубжон ик-ковимиз уни ўртага олган эдик. А. Қаҳҳор, Сароб. Ўртага солмоқ қ. солмоқ 7. Ўртага ташламоқ кишилар муҳокамасига ёки мунозарасига ҳавола қилмоқ. Хадичахон пахта ҳосилини ошириш тадбирларини айтиб, юқори ҳосилли зенлардан юқори ҳосилли бригадаларга кўчиш масаласини ўртага ташлади. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Ўртага тўкмоқ яширмасдан очик айтмоқ. Қатя.. Федя ҳақида ҳам, Аёша ҳақида ҳам билганларини ўртага тўкди. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида. Икки ўртада томонлар тортишуви оқибатида; қайтага. [Меҳри:] Икки ўртада қизимга ҳам жавр бўлмаса ёйра эди! О. Ёқубов, Чин муҳаббат. Яқин ўртада қ. яқин 2. Ўртада қолсин ҳеч ким билмасин, сир сақлансин. [Эрмбет:] Элгелди оға, воқеа ўртамизда қолсин. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ўртадан кўтармоқ йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ. Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қўлганда, золимларни ўртадан қўтариб, юртга осойиц берганда, унга ким нима дея олар эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎРТААСРЧИЛИК** Ўрта асрга хос хусусият.

**ЎРТАЛИК** Ўрта ер, ўрта жой; оралиқ. Вақт кечикиб бормоқда, ўрталик қоронғилашмоқда эди. Ҳ. Фулом, Шум бола. Ҳамма жим туриб қулоқ солди. Ҳеч қандай овоз йўқ эди. Демак, ўрталик ҳали қатта, кўп кунлар, балки ойлар қозишга тўғри келади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎРТА-МИЁНА** Бирор бөлги, хусусияти жиҳатидан ўрта вазиятни эгаллайдиган; ўртача. [Ғиёс:] Мен ўрта-миёна баҳоларни ёмон кўраман. Менга ё «беш», ё «икки» қўйинг. Ф. Мусажонов, Ғамхўр. [Ғуломжон] сезди-да, олди айвон ўрта-миёна уйга қараб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.



**ЎРТАМОҚ 1** Худди куйдираётган-дек ачиштирмақ, куйдирмақ (аччиқ, шўр ёки ширали таом ҳақида). *Узум, азбаройи ширинлигидан, томоқни ўртади. Аччиқ шўрва ичимни ўртаб юборди.*

2 *Кўча Алам, изтироқ билан қийнамоқ, куйдирмақ. Юракни ўртамоқ. Жонини ўртамоқ. — Нега индамайсан, йиғлайсан, Юрак-бағрим ўртаб тиглайсан. Э. Раҳим. Остинида юз алвон ўйнайди отинг, Дуциманни ўртади шағъни-шавақтинг. «Алпомиш».*

**ЎРТАНМОҚ ўртамоқ** *фл. ўзл. н.* Ўзлари ёнсалар, ўртансалар ҳам майли, фақат Тўлқин бунни билмасин, унинг муррак дили ёнамсин, ўртанмасин. Х. Ғуллом, Машғал.

**ЎРТАПИЩАР ўртанмоқ** *фл. орт. н.* Севимли йигитнинг бу саволи, интизорликда тикилиб турган кўзлари Адолатни ўртантириб юборди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЎРТАНЧА** Уч ака-уканинг иккинчиси, энг каттасидан кейингиси ёки кенжасидан каттаси. — *Қойил! — деди ўртанча, — шу лафзиндан қайтмансанг. Ака, эшит мен ҳам. Орзум бор, айб этмасанг: мол дентори бўлман. Қ. Муҳаммадий. || Байнинг ўртанча ўғли Абдузойир самовар ёнида чўккалаган эди. Айний, Куллар.*

**ЎРТАПИЩАР** Мавсум ўртадариди пишадиған. *Ўртапишар олма. Ўртапишар пахта навлари. — Ҳар меванинг ўз участкаси бор, ҳар бир участканинг ўз бўлимлари бор; эртапишар, ўртапишар, кечпишар. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

**ЎРТАСАДА** *кўм. вазифасида 1* Орасида, оралигида; даврасида. *Дарахлар ўртасида битта арча қорайиб кўринадди. — Утирганлар ўртасида кўли кўтарилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *(пайт билдирувчи сўзлар билан)* Тахминан ярми ўтган пайтда; давомида. *Йил ўртасида. Қиш ўртасида. 19 асрнинг ўрталарида.*

3 *Қиши ёки қарсалар орасидаги боғланиш, муносабат ҳақида. Дўстлар ўртасида ғойбат бўлмаслиги лозим. — У [Мирзақаримбой] йўлчининг қишлоқдан қайтиб, бирдан ғойиб бўлиши билан ўзининг Гулнорага ўйланиши ўртасида бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил этган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЎРТАЧА 1** Ўлчов, миқдор, вазн, суръат ва ш. к. да ўрта, оралик вазиятни эгаллайдиган. *Ўртача оғирликдаги тарвуз. Ўртача қалинликдаги пахта. Ўртача вазнли курашчи. Ўртача ҳарорат. Ўртача тезлик. || Ўртача ривожланмоқ. Ўртача исимоқ. — Қашқа жейроқ устидо малла чарм тўнли, тулки теллақли, ўртача жуссали бир кимса калта тақилган узанига оёқларини тираб ўтирдди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўртача гўштили ишчи отлар келган-кетганларга парвосиз, анғиздан бош кўтармайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Дала бизнинг боғчадан*

*кенг, ҳавоси ёқимлироқ эди, ўртача эсаётган ёқимли шамол қишининг юзун сийпалаб, димоққа латиф ҳуши ҳидларни келтирдди. Айний, Эсдалиқлар.*

2 *Бирор хусусияти, белгиси, сифати жихатидан яхшидан паст, ёмондан юқори даражадаги. Сифати ўртача. Мазаси ўртача. Ўртача чирой. Ўртача муомала. Ўртача билим. Ўртача баҳо.*

**ЎРТОҚ 1** Бир вақтда туғилиб бирга ўсган; тенгдош, дўст, ошна. *Ўғлимнинг ўртоғи. Ўртоғимнинг акаси. — Ҳайр, онажон! Менгиз учун бувимни кучоқлаб қўйинг, ўртоқларимга салам айтинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *Дунё қараши, фаолияти, яшаш шароити ва ш. к. жихатидан бир, ғоявий жихатдан яқин киши; ҳамфикр, ҳамғоя. Қудрат . . ҳокимнинг қон тўлиб кетган кўзларидан яширинмади, аксинча, ўртоқлари билан гузарда ярим кечагача жилмай ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эски ўртоқларингдан айрилгансан, янги ўртоқ орттир-олмадинг. А. Қаххор, Қўшчинор.*

3 *Совет жамиятидаги кишилар ёки совет граждандарни бир-бирига нисбатан. Москвадан келган ўртоқ. | Шундай кишиларнинг фамилияси, касб, унвони олдида қўлланади. Ўртоқ бригадир. Ўртоқ раис. — Рўзимат сажнадан чиқиб кетди-ю, ҳаял ўтмай залда пайдо бўлди ва Қанизақнинг олдига келиб кулоғига секин: «Ўртоқ Аҳмедов йўқлаётибилар», — деди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Шундай кишиларга нисбатан мувожаат формаси. Ўртоқ, сиз қаердан келасиз?*

4 *с. т.* Бир никоҳдаги кишилар бир-бирига нисбатан; эр ёки хотин, рафиқ ёки рафиқа. *Ҳалимахон, ўртоғингиз қаерда ишлайдилар? — Ўртоқлар ҳам рўзгор ишини яхши билиши, ўртоғига яқиндан ердам бериши керак. У. Тоштемуров, Асосий бурчимиз.*

5 *Бирор нарсага баҳам қўрувчи; шерик. Ошга ўртоқ — бошга тўқмақ. Матал. — Дам бўламан олтин қуёш Хуснига ўртоқ. Дам термақ этақ-этақ Гуллар пушти, оқ. Ғайратий.*

**ЎРТОҚЛАРЧА** *рви* Ўртоқдек; ўртоқ ёки дўст сифатида. *Ўртоқларча ердам бермоқ. — Партиядан чиқариш масаласи ҳал қилинаётган вақтда .. ўртоқларча эътибор бериш .. лозим. «КПСС Устави».*

**ЎРТОҚЛАШМОҚ 1** Ўртоқ бўлмоқ, қадрдон кишилардай дўстлашиб кетмоқ. *Йўлчи улар билан садда ва очик кўнгли билан сўзлашиб, бирпасда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *Ўз билганини бошқаларга ҳам билдирмоқ; ўзаро фикр олишмоқ, тажриба алмашмоқ. Ҳадичахон Аҳророва ҳам қурултой минбаридан туриб нутқ сўзлади. Вакиллар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди. Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. У ҳаққа жуда қизиқ бўлаганидан ҳозиргача эсимдан чиқмаган ва*

*уни нақл қилиб қитобхонлар билан ўртоқлашсам, зарар қилмаса керак. Айний, Эсдалиқлар. Бошлар янги ўқитувчининг дарси тўғрисида ўз таассуротларини ўртоқлаша бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи. | Қувонч, ғам ва дард-аламлар ҳақида дардлашмоқ, хасратлашмоқ. [Маҳмуд] Моҳидилнинг олдига бореиси, қувончини ўртоқлашгиси келди. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон. — Менга қаранг, Нафиса, ғамни ўртоқлашган яхши, бир кишига оғирлик қилади. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ЎРТОҚЛИК** *Ўртоқчиликка хос муносабат, дўстлик; ҳамкорлик. Ўртоқлик салом. Ўртоқлик қилмоқ. — Бу дўстлик фикрлари, ҳислари, истақлари, юраклари яқин бўлган.. шахсларнинг ўртоқлиги эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Боболаримиз ҳам, «Кўрғон қурма, бойдик тўплама, дўст орттир» деганлар. Ҳақиқатан ҳам дўстликдан гўзалроқ, ўртоқликдан кучлироқ нарса йўқ олмади. М. Салом, Кечирим.*

**ЎРТОҚЧИЛИК** *қйн. ўртоқлик. [Суннат:] Ахир дунёда ўртоқчилик, таниш-билдилик ҳам бор. Сенингча, ёлғиз муҳаббат бор-у бошқа ҳеч нарса йўқ. Шухрат, Шинелди йиллар.*

**ЎСАЛ 1** Тузалишга умид қолмаган оғир касал. **Ўсал бўлмоқ 1** оғирлашиб қолмоқ, ўлим олдида ётмоқ. *Камтир ўсал бўлиб қолибди. — Бемор кундан-кун баттар бўлиб, охири ўсал бўлди. А. Қаххор, Бемор; 2* ўта хижолат бўлмоқ, шарманда бўлмоқ. *Елғончининг ўзи ўсал бўлди. — У лом-мим дея олмади, ўсал бўлиб, ерга қаради. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.*

2 *Ярамас, ёмон; бемаъни. Ўсал ишчи қилиб бўлган гуноҳкор. Ундайин фарзанднинг ўлмоғи даркор. «Ширин билан Шакар». Бу муаззам майдоннинг мутлақ ҳоққи — ўсал, ёвуз, бузғунчи куч учун ўз саҳаси гўё торлик қилади. Ойбек, Кўёш қораймас. Бегижон, бу ишинг ўсал бўлибди, Бойчиборни, билдим, қалмоқ минибди. «Алпомиш».*

◆ **Ўсал тортмоқ** *ноқулай ҳолатда қолмоқ, қаттиқ хижолат бўлмоқ. Оғир дашнамлардан ўсал торттиб, сувга тушган мушукдай бўлиб ўтирган Силин бирдан сапчиб турди. Х. Назир, Ўтлар туташганда. Ўсал қилмоқ қаттиқ уялтирмоқ, шарманда қилмоқ. Борса, ё уришиб берар, ё .. шоир бўлмаган бир сен қолган эдинг, яқинда арза ва қарорлар ҳам шера билан ёзиладиган бўлади! — деб қўпчилик ичиди ўсал қилар. А. Қаххор, Сароб.*

**ЎСАЛЛАШМОҚ** *Касали оғирлашмоқ, ўсал бўлиб қолмоқ. Касал ўсаллади.*

**ЎСАЛЛИК 1** *Касалнинг оғирлашган, ўлим олди ҳолати.*

2 *Уят, шармандалик.*

**ЎСИМ** *ёск. кам қўлл. 1* Ўсиш, кўпайиш; ортти.

2 *Бирор мажбуриятни ўз вақтида тўламаганлик учун олинадиган жари-*

ма ёки процент ҳисобида қўшимча тўлов; пеня.

**УСИМЛИК** Ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озикланадиган, анорганик моддаларни органик моддаларга айлантириш хусусиятига эга бўлган, одатда, бирор жойга ўрнашган ҳолда ривожланадиган организм. *Ёввойи ўсимлик. Маданий ўсимлик. Хонаки ўсимлик. Кўп йиллик ўсимлик. Ўсимлик барги.*

**УСИМТА** Одам, ҳайвон ёки ўсимлик танасидан ўсиб, бўртиб ёки туртиб чиққан қисм. *Кўрчак ўсимтаси. Муртак (чигит) ўсимтаси. — Нерв тўқмаси нерв ҳужайраларидан, яъни нейронлардан ҳосил бўлади, нейронлар эса тана ва ўсимталардан иборат. «Анатомия».*

**УСИҚ** Жуда ўсиб кетган, одатдагидан узун. *Усиқ ва майин қора соч. — Майна бандитнинг эчки соқолига, косасидан ирғиб чиққан таниши бежо кўзларига зеҳн солди. Қошининг ўсиқ жунари бўртган қовоғига тушиб турибди. Ш. Тوشматов, Эрк қуши. Фақат ўсиқ анжир буталарининг нари ёғида Маҳкам ҳар кун зарёка қилдиган пана жой ҳали сояга чўмиб ётарди. П. Қодиров, Уч илдиэ.*

**УСИҚЛИК** ўсиқ с, белги оти. *Ғўзанинг ўсиқлик даражаси.*

**УСИҚЧА** айм. ўсимта. *Кўр ичакдан ингичка чувалчансимон ўсиқча чиққан бўлиб, бунинг деворида жуда кўп лимфатик тугунлар жойлашган. «Физиология».*

**УСМА I I** Узун чўзинчоқ тўқ яшил баргли крестгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўтсимон ўсимлик. Қиш бошланишида ҳамма тоқ кўмса, *Маликаҳон ўсмасини кўмар, чиллада ҳам унинг ҳовлисида ўсма баҳордагидек кўкариб ётарди. С. Зуннунова, Гулхан.*

2 Шундай ўсимлик баргидан сиқиб олиниб, қош ва киприкларни бўшш учун ишлатиладиган қора-яшил рангли суюқ бўёқ. Унинг ҳозиргина қўйган ўсмаси чаккасига оқиб тушган эди. *Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**УСМА II** мед. Одам ёки ҳайвонлар организмда пайдо бўладиган, одатда зарарли шиш. *Жигар ўсмаси. Мия ўсмаси. — Тажрибалардан маълум бўлдики, кобранинг заҳари ҳатто рақ ўсмасини ҳам ўсишдан тўхтата олар экан. З. Қаримов, Илон захри — ши-фобохш дори.*

**УСМАЛИ** Ўсма қўйилган, ўсма суртилган. *Бегимхон ғўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чимириб бобилаб берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**УСМИР** Болаликдан балоғат ёшига ўттиш давридаги, 12—16 ёшдаги болалар. *Атрофида — унинг латифаларига, қизиқ-қизиқ ҳангамаларига муш-тқ бўлган беш-олтита ўсмирлар. С. Анорбоев, Оқсой. Дарёнинг нариги юзиди окоп қазитганлар орасида чоллар, хотинлар ва ўсмирлар ҳам кўринади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**УСМИРЛИК** Ўсмир ёшидаги давр. *Ўсмирликда у [Мадали ака] билан чираниб баҳслашиб эдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

**УСМОҚ I** Ҳаёт жараёни давомида катталашмоқ, йирик, баланд, узун ва ш. к. бўлмоқ, улғаймоқ (киши, ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида). *Бола соғлом ўсди. Парварши қилинмаган ғўзалар ўсмай, қизилпоча бўлиб қолади. — Той ўссин, нақ дулдуддай бўлади. — Ойбек, Қутлуғ қон. [Қарим:] Москва сизга ёқибди шеклилли, жуда ўсиб кетибсиз-ку, Ойтўти, мана қаранг-а, менга этиб қолибсиз. Ойдин, Фонарь тағида. | Бўйига қараб чўзимок, узунлашмоқ. Тирноғи ўсиб кетибди. — Энди у озди, соқоллари ўсди, юзи қорайди, шахло кўзлари яна катталашиди, қадди чўзилди. М. Исмоний, Фарғона т. о.*

2 Уруғидан, илдиз, қаламча ва ш. к. лардан униб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ, униб чиқиб ривожланмоқ. *Бу чўлда ҳеч қандай ўсимлик ўсмайди. — Қарабсизки, қизил гул билан оқ гул ўртасидан чақир тиканак ўсиб чиқяпти. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кўкариб турмоқ. Ҳовлининг ўрта ерида паканагина балиқтут ўсиб, остига кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Еш дарахтлар ҳар жойда Яйраб ўсмоқда. З. Днёр. | Кўкармоқ, тарқалмоқ, мавжуд бўлмоқ (районлар бўйича ўсимликларнинг тарқалиши ҳақида). Хурмо тропик мамлакатларда ўсади.*

3 Маълум шароитда болалигини, умрининг дастлабки йилларини ўтказмоқ, яшаб улғаймоқ. *У [Аваз] чорвадор оилада ўсиб, мол сўйишларни кичиклигидан кўп кўрган эди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Кўзим олдида ўсдин-у Қўлимда парварши топдинг. Т. Тўла.*

4 Нормал ҳолатга зид ҳолда ривожланмоқ, туртиб чиқмоқ. *Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, манғайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 Миқдори, ҳажми ортиб бормоқ, кўпаймоқ; мустаҳкамланмоқ; ривожланмоқ. *Социализмнинг моддий-техника базаси тобора ўсиб бормоқда. — Совет жамияти ишлаб чиқарши кучларининг ўсиб бораётганлиги.. меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлайди. «ЎзССР Конституцияси». Пахтадан юқори ҳосил етиштирган Хадичахон Аҳророва сингари илгорлар бизда.. йил сайин кўпаймоқда ва уларнинг қаторлари ўсмоқда. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.*

6 Тараққий этиб, юқори даражага кўтаришмоқ, ошмоқ. *Халққимизнинг маданий савияси беқиёс ўсди. — Бизга таълим берар ҳар кун ўқитувчимиз, Турли фанни ўқиб, ўсар онг ва кучимиз. И. Муслим. Менинг мушоҳидамеа қараганда, уларда, масалан, боқий сезги*

анча ўсган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тараққий этиб, ёйилмоқ, таъсир кучи, нуфузи ортмоқ. *Коммунизм мактаби бўлган касабта союзларининг роли ва аҳамияти беқиёс ўсади. — Ўзинга маълум, қишлоқ меҳнаткашларининг босмачиларга қарши фаолияти ўсмоқда. З. Саид, Н. Сафаров, Фарх тилга кирди.*

◆ **Кўнгли ўсди кўнгли кўтарилиди;** рухланди, хурсанд бўлди. *Аваз ўзининг чўпонлик қобилиятидан ғурур қилиб, кўнгли тоғдай ўсиб юрган пайтларини эслади. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

**УСМОҚЛАМОҚ** кам қўлл. айм. ўс-моқчиламоқ.

**УСМОҚЧИЛАМОҚ** Ўзи билган ёки тахмин қилган нарсани янада суриштириб аниқлашга уринмоқ, ўзини билмасликка солиб, суҳбатдошининг план, режаларини билиб олишга ҳаракат қилмоқ. *Зимдан кузатиб ўтирган Қомила дам сурагга, дам Уктамга қараб, кейин айёрча кулиб ўсмоқчилаб сўради. Ойбек, О. в. шабадалар. [Шакархон] худди эрининг «кирдикоридан хабардор бўлгандай ўсмоқчилади. Х. Назир, Ўтлар туташганда. У Муҳаррамдан кўп нарсани ўсмоқчилаб сўради. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**УСПИРИН** Балоғат ёшига етмаган ёш йигит. *Бу йигитни танийман кўндан, Самарқанда ўсган ўспирин. Е. Мирза. Бундан саккиз йил аввал, у [Ўроз] ўн етти яшар ўспирин экан. Ойбек, Қутлуғ қон. Мана, ўғлим лаби устида Қалдирғочнинг майин қаноти. Успирининг тоза кўксига Кунда ошар янги ҳис тоти. Зулфия.*

**УСПИРИНЛИК** Успирин ёшидаги давр; ёшлик. *Успиринлик йилларим. — Шунинг учун Ҳайдар чўққи саксонда. Успиринлик даъво қилса ҳаққи бор. Ф. Фулом.*

**ЎСТИРИЛМОҚ** ўстирмоқ *фл. мажҳ. н. Иссиқ хоналарда қишда ҳам турли гуллар ўстирилади.*

**ЎСТИРМОҚ I** ўсмоқ 1—3, 5, 6 *фл. орт. н. Гул ўстирмоқ. Соч ўстирмоқ. — Кўз ёшин селида ўстирарди дон, Паришон ва ғамгин яшар эди эл. Ғайратий. Партияни яратди, ўстирди, улуғлади, Етаклади ўлкани юриб қадамба-қадам. Э. Раҳим. Улуғ бобомиз Ленин Бахт сари элтди бизни, Олиб унинг таълимин, Ўстирдик онгимизни. И. Муслим.*

2 Бир неча йиллар давомида боқиб тарбия қилмоқ, балоғат ёшига етказмоқ. *Бу ғўдакни ўз қизинг билан бирга тарбияла, ўстир, ўқитма. М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб.*

**ЎСУВЧАН** Тез ўсадиган. *Ўсувчан бутта.*

**ЎСУВЧАНЛИК** ўсувчан с. белги оти. **ЎТ I I** Ёниш жараёни; олов, оташ. *Ер тўйдирар, ўт куйдирар. Мақол. Ерега тушган гул бўлур, ўтга тушган кул бўлур. Мақол. — Бу орада майдончада ўт ловулади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ўтнинг ҳарорати Эр-*

гашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Ховли ўртасидаги бир бузоқ билан икки қўй ёйишти солинган дошқозон таъида ҳамон ўт ёнар.* П. Турсун, Уқитувчи. | Катта майдонни қамраб олган, қурилиш, мол-мулк ва ш.к. нарсаларни куйдириб нобуд қилувчи ёниш жараёни; ёнғин. *Ўт балоси.* *Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ барабар ёнади.* Мақол. — *Ўт ва тутун ичида қолган босмачилар яроғларини ташлаб, қўлларини юқори кўтарган ҳолда эшикдан чиқиб, таслим бўлдилар.* Айний, Қуллар. **Ўт қикди** ёнғин ҳосил бўлди. **Ўт қўймоқ** 1) ўтин қалаштириб, уни ёндирмоқ. *Опам ошхонада ер тандирга ўт қўйиб, қовоқ сомса қилмоқда.* Ғ. Фулом, Шум бола; 2) куйдириб йўқ қилиш мақсадида атайлаб ёндирмоқ, ёнғин чиқармоқ, ёқмоқ. *Қимдир сароғга ўт қўйди.* — [Адолат:] Санобар опанинг уйига ўт қўйишибди. С. Зуннунова, Гулхан. | Ёнаётган нарса устида ҳосил бўладиган, ёниб нурланиб турадиган газ; ёлқин, аланга. *Мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизғини ўт, кўкда оловли из қолдириб, жуда юқорилади.* А. Қаҳҳор, Анор. *Шу он унинг йнғ томонидаги кичкина тепаликда ят этиб ўт кўринди.* Ж. Ташенов, Жангчи Утеген. | Алангасиз ёниб, қизариб турган кўмир, чўғ. *Эгамберди, сен дарров самоварингга ўт сол!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ўчоқдаги ўтни секин-секин кул босди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўплаб ўқ узиш; отишма; кўплаб отилган ўқлар. *Ўт очмоқ.* *Ўтга тутмоқ.* — *Асқарнинг ўт ва қон ичида тобланган юраги нечундир оғриб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бомбардирмончи самолёт бизга қараб бурилди-да, пулемётдан ўт очди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Қурола турларини санаб ўтказиб, пиёда қисмларни тўсиб қолиш, уларни ажратиб олиб, ўтга тутуши ҳақида буйруқ бўлди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 *Кўчма* Бирор нарсани бажариш учун интилиш ва иштиёқ; ғайрат. *Ғуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қайхисраннинг ўлганини билиб эронийларнинг руҳи тушиб кетди, уларнинг галабага бўлган ишончлариға путур этиб, юракдаги ўтлари сўна бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. [Канизак:] *Сизга нима бўлди, Сидиқжон ака? Наҳот шу нарса юрагингизга жиндақкина бўлса ҳам ўт солмаса!* А. Қаҳҳор, Қўшчинон. *Мен ҳам ёмон кўрмас эдим, несаки, илгити тушмазур ўзимға ўхшаган юраида ўти бор!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

4 *Кўчма* Бирор иш-ҳаракатни бажаришга жон-жаҳди билан киришадиган, серғайрат; шижоатли. *Йўлчи бошқа бир кезни умид қилди-да, Шокир*

*ота билан хайрлашиб, эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қолди: — Хай, ўт илгит, ҳалғи сўзларинг олтинга арзийди, аммо, ҳар кимга сўйлайверма!* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Вой, илгит ўлмазур-эй. Устига чиқиб олганини қара! Сен ҳам ўт бўлибсан, ўт!* — деди *Гулсум Давлатёрни кўрач.* П. Турсун, Уқитувчи.

5 Ички аламли кечинма, руҳий азоб, қийноқ ва унинг ташқи ифодаси, акси, белгиси. *Ишқ ўти.* *Ғайрат ўти.* — *Тўлқинжон ғазаб ўтида муштини кўтарди.* Ф. Мусажонов, Хурн. *Ҳижрон ўти олдида тиз чўкиш биздан бутунлай йироқ.* Ғайратий. *Ойқизнинг кўзларида севинч ўтлари чақнаб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Ўт билан сувдек** ўзаро энд, бир-бирига нисбатан қаттиқ адоват сақловчи, муросасиз кишилар ҳақида. *Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар.* А. Мухтор, Опа-сингаллар. **Ўт олмоқ** кучаймоқ. *Кўнғлида ҳозиргина бир оз сусайган норозилик янғидан ўт олди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Ўт чиққандай** айн. кесақдан олов чиққандай қ. олов. **Ўтга керосин сепмоқ** авж олдиримоқ; баттар кучайтиримоқ; гижгизламоқ. *Қодиркул .. турқини бузмай, яна Ҳасан аканинг ўтиға керосин сепди.* А. Мухиддин, Инсон қалби оташ. **Ўзини ўтга (ҳам), сувга (ҳам) урмоқ** бирор ишни бажариш учун ҳеч нарсадан қайтмай уринмоқ, астойдил тиришмоқ. [Йўлчи:] *Улар шундай одамлар бўлсинки, болшевик Петровнинг йўлиға киргандан кейин ўтга ҳам, сувга ҳам ўзини уришга тайёр кўрсатсин, жонидили билан ишга берилсин.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎТ II** Пояси ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий емиш бўладиган яшил ўсимлик; алаф. *Ёввойи ўтлар.* *Доривор ўтлар.* *Чорвабон ўтлар.* *Сув ўтлари.* — *Барра ўтларға хўп тўй, Ҳеч ким бермайдди халал.* И. Муслим. [Хулкарнинг] *қадди-қомати нозик кўринса ҳам, ўзи илгитлардай запт билан ўт ўра..* эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎТ III I** Жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш-яшил рангли аччиқ суюқлик. *Ўт пигментлари.*

2 Шундай суюқлик тупланадиган пуфакча. *Бузилди ошқонча, ўт ишламай, Шишан жиғар бўлдим.* «Мўштум», 1962, № 3. **Ўт пуфаги айн.** **ЎТ III 2.** *Жиғарнинг настқи сиртида ўт пуфаги ётади.*

◆ **Ўти ёрилди айн.** **Ўтақаси ёрилди қ.** **Ўтақа.**

**ЎТА I** **Ўтмоқ** фл. ривиди. *Мудҳиш жанглар кўз олдидан ўта бошлади.* *Жарликдан ўта олмади.*

2 Белги билдирувчи сўзлар олдида келиб, белги даражасини орттириб кўрсатади; ниҳоят даражада, ғоят, жуда. *Ўта айёр.* *Ўта доно.* *Ўта зolim.* *Ўта иссиқ.* *Ўта сахий.* *Ўта совуқ.* *Ўта*

қисқа. *Ўта қизитилган.* — *Ижронининг серифода кўзлари, ярашиб тушган ҳаракатлари, қилиқлари ўта табиийлиги билан ҳаммага маъқул эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *Олимжон ана шу қадрдон ерларни неча ойлаб кўрмай, ўта соғинган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шоҳ Искандар жавоб истар, Халойиқни ўта қистар.* Миртемир. **Ўта кўринадиган** нариги томондаги нарсалар аниқ кўринадиган, шаффоф. *Ўта кўринадиган қоғозга 13 расмининг кўпиясини олингиз.* «Астрономия».

**ЎТАКА:** **Ўтақаси ёрилди** ниҳоятда кўрқди. *Онасининг маънодор қарашларидан бир нима уққандай, Раҳмининг ўтақаси ёрилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ЎТАКЕТГАН** Белги билдирувчи сўзлар олдида келиб, белги-даражанинг ортиқ эканлигини билдириб, «ниҳоят даражада», «ғоят», «жуда», «учига чиққан» маъноларини ифодалайди. *Ўтакетган алдоқчи.* *Ўтакетган аҳмоқ.* *Ўтакетган ғирром.* — *Мана бир вақтлар мактаб учун ўзининг меҳмонхонасини инъом қилган Турдидов халфа билан ўтакетган мунофиқ Олахўжа махсум ҳам аста тебранишиб томошага келишди.* П. Турсун, Уқитувчи. **У** [Бўронбек] — *маккор душман, ўтакетган аксилқиллобчи, хонин, қотил.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ўз ери, ўз сувини ўзравон бойдан ҳимоя қилгани учун деҳқоннинг қўл-оёғига кишан солиши, қамоққа олиши — ўтакетган адолатсизлик!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЎТ-АЛАФ** Ҳар хил ёввойи ўтлар. *Қуёш анча оғиб қолганига қарамай, унинг ҳароратли нафаси ўт-алафи қовжираб ётган чўлни аёвсиз ёндирарди.* С. Абдуқаҳҳор, *Олтин водийларни кезганда.* *Ўт-алаф ҳам, гул-чечак ҳам, бута-дарахт ҳам жазирама иссиққа дош беролмай сўлғин бош эди.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ЎТАЛМОҚ I** **Ўтамоқ I** фл. мажҳ. н. [Умурзоқ] *қўлиға кетмон олиб, чала ўталган ерларни қиртишлашга тушарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ЎТАЛМОҚ II** **Ўтамоқ II** фл. мажҳ. н. *Вазифа аъло даражада ўталди.* — *Элмурод билан ўрмалашиб, унинг буйруқ ва кўрсатмаларини бўлилма ҳамда айрим кишилар томонидан тўла-тўқис ўталишиға кўмаклашди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЎТАМОҚ I** Бегона ўтларни юлиб ташламоқ, ўтоқ қилмоқ. [Бувиш] *томорқада сабзи-пиёз ўтайди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎТАМОҚ II** Адо этмоқ, бажармоқ. *Директорлик вазифасини ўтамоқ.* — *Бино ҳозирча клуб вазифасини ўтаб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон. *Биз виждон бурчини ўтасак, бас.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Маълум бир вақтни муайян топшириқларни бажариб ўтказмоқ.* *Синов муддатини ўтамоқ.* — *Партияға аъзо бўлиб*

биришни хоҳлаган кишиларнинг ҳаммаси кандидатлик стажини ўтайди. «КПСС Устави».

**ЎТАР I ўтмоқ I** фл. сфтди. *Ўтар дунё Утарини ўйлади, Танга таълаб Олатогни яйлади.* «Алпомиш». *Ўзингдан ўтар гап йўқ қ. ўз.*

**ЎТАР II** с. т. Қўй подаси, сурув. *Ўтаридаги қўйларни яйловда ўтлатмоқ.*

**ЎТАР-ЎТМАС** рвш Ўзи боғланиб келган сўздан англашилган вақт тўла ўтмасдан туриб ёки тахминан шунча вақт ичида бирор иш-ҳаракат содир бўлганлигини билдиради. *Бир кун ўтар-ўтмас улар [қишлоқ одамлари] менга яқин ва меҳрибон бўлиб қолган эдилар.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Олимжон ҳам ўйғонди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучди. *Бир йил ўтар-ўтмас турмуш қурдик.* М. Жабборов, Севинч.

**ЎТАТМОҚ I ўтамоқ I** фл. орт. н. *Сабази ўтатмоқ.*

**ЎТАТМОҚ II ўтамоқ II** фл. орт. н. **ЎТАЧА** кам қўлл. айн. ўтакетган. *Иморатларнинг қўланқаси ва кечанинг ўтача қаронғиси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЎТАШМОҚ I ўтамоқ I** фл. бирг. н. **ЎТАШМОҚ II ўтамоқ II** фл. бирг. н. *Улар ўз бирчларини яхши ўташди.*

**ЎТГАН I ўтмоқ I** фл. сфтди. *Утган ишга ўқинма!* Мақол. — У [деҳқон] қис-томири билан турган ховлисига боғланган, бу ховли ота-бобоси ўтган муқаддас жойдир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бундан аввалги (вақт ҳақида). *Ўтган йил. Ўтган ҳафта. Ўтган асрнинг 60 йиллари.* — [Абдурахмонбой:] *Ҳа, тақсир. Ўтган йил сарҳатда бўлганимда, рус хўжайинларининг заводаларини бориб кўрдим.* Н. Сафаров, Ўйғониш. *Бу ўринни ўтган кун кечаси келиб кўриб кетгани учун қайтадан қараб турмади.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ўтган замон феълни грам. иш-ҳаракатнинг гапирилаётган пайтдан олдин бажарилганлигини билдирувчи феъл формаси.*

**ЎТГАН-КЕТГАН I** Шу ердан ўтадиган. *Ҳайдарбойнинг кўрimsиз чойнақларидаги куюқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради.* П. Турсун, Уқитувчи. || *Ўтган-кетганлар билан оғзлашмоқ. Ўтган-кетганларни томоша қилмоқ.*

2 Бир вақтлар шу ерда яшаган, дунёдан ўтиб кетган. *Ўтган-кетган ота-боболар ҳақида суҳбатлашмоқ.* || *Ўтган-кетганларни эсламоқ.*

**ЎТ-ДАЛАЛИ** қ. х. Тупроқ хосилдорлигини тиклаш мақсадида далага маълум муддатларда ўт экиб туриладиган. *Ўт-далали деҳқончилик системаси.* *Ўт-далали алмашлаб экиш.*

**ЎТЗОР** Ўт-алаф билан қопланган ер, ўтлар ўсиб турган майдон; ўтлоқ.

*Ўтзорга айилган пода. Ўтзорда пичан тайёрламоқ.* — *Ўтзорлар ичидан жоначом қишлоқ яққол кўришиб турибди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ЎТЗОРЛИК** Ўтзордан иборат жой. *Ўтзорлик тўқайга туташади.*

**ЎТИЛМОҚ** ўтмоқ I фл. мажҳ. н. *Дарёдан ўтилди. Отлар уй орқасига олиб ўтилди. Кеча дарёда нималар ўтилди? Иккинчи масалага ўтилсин. Ҳамма гаплар айтиб ўтилди. — Қиқина жарликдан ўтилган, батальон қутилмағанда қаттиқ оловга тутилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЎТИМЛИ:** ўтимли феъл грам. тушум келишигидаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *китобни ўқиди, уни таниқман қаби.*

**ЎТИМСИЗ:** ўтимсиз феъл грам. тушум келишигидан бошқа келишигдаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *мактабдан келди, мактабга борди қаби.*

**ЎТИН** Қирқиб, ёриб, ёқиш учун мосланган ёроқ, тахта, поя, шох ва ш.қ. *Ҳўл ўтин. Уриқ ўтин. Саржин ўтин. Ўтин ёрмоқ.* — *Ўтин учун арча ва эрқларнинг қуриб қолганларини топиб қирқиб керак эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Қуруқ ўтин бир шуда довиллаб ёниб кетди.* М. Исмаилий, Фарғона т.о. *Ҳамир оғданна, ўтин, ёриб, тандирга ўт қўйдим.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Сизга ўзингизга ўхшашан қирови тўқилмаган одамлардан иккинчисини қўлиб берман, учаларинг қўғазорнинг юқорисидан тўқайдан ўтин қиласизлар.* А. Қажҳор, Қўшчинор. | *Ёқиш учун ярайдиган ҳар қандай ўсимлик просяи, шох-шабба, ўтин-чўп. Шох ўтин. Хашак ўтин. Ўтин термоқ.*

**ЎТИНКАШ** айн. ўтинчи. *Шароф ўтинкашни худайи ошага ҳам йўлатмайдилар.* Айний, Қуллар.

**ЎТИНКАШЛИК** ўтинкаш а. касб оти. *Қиш бўйи ўтинкашлик қилиб йиққан бир нуд-ярим нуд бўғдай, арпа, жўхори, тарик қаби ғаллаларимизни сулуриб, сийриб олиб кетдилар.* Айний, Қуллар.

**ЎТИНМОҚ** Ёлвориб илтимос қилмоқ; сўрамоқ. *Мени авф этишингизни ўтирман.* — *Бизга ёрдам берганини истасангиз, сиздан ўтинчи сўрайман, Намийга муносабатни ўзгартирмагилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | *Авф этишни, кечирини илтимос қилмоқ. У ниқоқни ташлаб, бир қўлини кўксига қўйиб ўтинди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎТИНФУРУШ** Ўтин сотувчи. **ЎТИНХОНА** Ўтин-кўмир сақланадиган усти ёпиқ жой. *Ўтинхона энди саранжом эди. Фақат бир бурчақда тўқилган писта кўмирнинг тазидан ишбалаган тупроқ кўришиб турарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ЎТИНЧ** Қаттиқ илтимос. [Ҳомид:] *Жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдирувчи*

мен бўлганлигимни баларидан бошқа кимса билмасин. А. Қодирий, Утган кунлар. *Ўтинчим бор, халоскор жангчи: Эсаликка бир нима қолдир!* Ё. Мирза.

**ЎТИНЧИ** Ўтин тайёрлаб сотиш иши билан шугулланадиган киши. *Ўтинчи чол. Отаси ўтинчи эди.* — *Бир ўтинчи меҳнатқаман, билсанелар. Меҳнат қилиб ўз кунимни кўрганман.* «Муродхор».

**ЎТИН-ЧҮП** Ёқиладиган нарсалар, хар хил ўтин. *Етадими туз, пиез, сабзи, Ўтин-чўпдан олинелар кўпроқ.* Э. Раҳим.

**ЎТИРИЛМОҚ** ўтирмоқ 1—5 фл. ўзл. н. *Сўрашишлардан сўнг одатда-ица ўтирилди.*

**ЎТИРИШ I ўтирмоқ фл. иш оти.** 2 Яқин кишилар, дўстлар ўртасида ташқил қилинадиган суҳбат; меҳмондорчилик, зийфат. *Яйлов билан қўйдан бошқа қарани ҳам кўрмаган чўпонлар дилкаш ўтиришларга, шаҳарлик меҳмонларнинг суҳбатига жуда иштиёқманд эдилар.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Ўтириш жуда қизиқ, жуда хушнақчақ, баам жуда қийқириқли бўлишини билиб, .. саман йўргани эвратлиб қўйган эди у.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Сиз шу ердалигингизда кичкинаёна ўтириш қиламиз.* Ҳ. Фулом, Сента интилама.

**ЎТИРИШМОҚ** ўтирмоқ фл. бирг. н. *Балалар қатор ўтиришибди.* — *Амло меҳмонлар нима бўлаётганига дуруст тушунолмаётган кўзлари жавдираб ўтиришар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

**ЎТИРМОҚ I** Тиқ турмай, кетни бирор жойга қўйиб, бирор жойни ишғол этиб ўринлашмоқ, чўкмоқ. *Чардан қуриб ўтирмоқ. Чўкка тушиб ўтирмоқ. Оёқ узатиб ўтирмоқ. Диванда ўтирмоқ. Қўрпачада ўтирмоқ. Стулда ўтирмоқ. Палос сотсанг қўйингизга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан.* Мақол. — *Бу ҳолдан аниқланган Қамр ёнимга келиб ўтирди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Гулнор дераза остига кўрпача солиб, қизни ўтказди ва ўзи яқин ўтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Шу вазиятда бир неча муддат вақт ўтказмоқ, тўхтамоқ, кутмоқ ёки суҳбатлашмоқ. Чойхонада узоқ ўтирманг. Меҳмон келганига ўтирди.*

— *Кел қуриб чўл қаронгиланг бошланган, ҳамма жам бўлиб, катта чодир ичда, таъфонарь ёруғида чойхўрлик қилиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди.* С. Ахмад, Уфқ. *Кампирнинг қисташига қарамай, Зуннунхўжа ўтирмади, кетди.* А. Қажҳор, Қўшчинор. 2 *Ўтириб қилинадиган иш-ҳаракатни бажаришга бошламоқ, киришмоқ. Овақатга ўтирмоқ. Дарсага ўтирмоқ.* — [Алдохун] *ип топиб, эски, сермақ қўйлазининг йиртигини тикишга ўтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Фотихадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Бирор ёққа бориш учун транспорт воситасига тушмоқ, минмоқ. *Самол*

лётга ўтирмақ. Трамвайга ўтирмақ. — Кеча у [Абдушуккур] хўжайини билан извошга ўтириб, бу ерга меҳмон бўлиб келган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 с. т. Бирор лавозимни эгалламоқ, ... бўлиб ишламоқ, тайинланмоқ. У ректор бўлиб ўтирибди. У расулик лавозимига ўтирди.

5 с. т. Бирор жойда маълум вақт бўлмоқ, турмоқ, қолмоқ. Аэропортда уч соат ўтирди. Уйда ўтирмақ жамоат ишига қатнашмасдан, уй иши билан шуғулланмоқ. | Бирор жойда узоқ ёки доимий яшамоқ, турмоқ. Бу квартирада ким ўтирибди? Ун йил уларга қўшни бўлиб ўтирдиқ.

6 Озодликдан ёки эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқ; қамалмоқ. Турмада ўтирмақ. Қамокда ўтирмақ. Зиндонда ўтирмақ. — Шўхлиги бошига етиб, бир-икки йил ўтириб ҳам чиқибди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўза.

7 Инмоқ, ёпишмоқ, ўрнамоқ. Китобларга чанг ўтирибди. Қиш кели-ю, новдаларга ўтирди қиров. — Йиштининг узоққина йўлдан келганлиги унинг киприк ва қошларига, ҳам энди-гина чиқа бошлаган соқол-муртларига ўтирган тўзонлардан беллиги эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Иссиқ куннинг ўтли ҳароратини пайсатириб тоғ шабадаси эсиб турар, ҳар томондан атир гул, райхон, жамбилларнинг ёқимли ислари димоққа ўтирарди. Қ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 с. т. Мос бўлиб тушмоқ; ярашмоқ. Бу костюм сизга жуда ўтирди. — Оёғидаги қизил саҳтиён этиги ўзига жуда ўтирган. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

9 Хуш келмоқ, ёқмоқ. Инспектор Ориф Саидов унинг [Очиловнинг] дидага ўтирмай қолган. А. Муҳиддин, Ҳадя.

10 Қўшма феъл таркибда қўмакчи феъл вазифасида келиб, етакчи феълдан англашилган маънони таъкидлаш, унга диққат жалб этиш учун хизмат қилади. Қап-катта бола чойнакни синдириб ўтирибди-я! Арзимаган гапга аразлаб ўтирибсанми? — Қасоб лабини бурди: — Бел! Биз нимани тушунамиз. Тушунсак, сиздан сўраб ўтирармидик. П. Турсун, Уқитувчи. — Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейдик-қўяди, — деди. А. Аҳхор, Қўшчинор. Менинг уйим, сизнинг ҳам уйингиз. Айтдириб юборишимни қўтиб ўтирмай, бор-йўғимда ҳам келиб туринг. С. Аҳмад, Хукм.

ЎТИРГМОҚ ўтирмақ 1—8 фл. орт. н. ЎТИРГИЗМОҚ ўтирмақ 1—8 фл. орт. н. Қарим ҳожи дастурхончи чолни саломхонанинг бир бурчагига ўтиргизди. Ғ. Расул, Аюлат.

ЎТИРГИЧ ўтириш учун мосланган нарса (стул, курси, скамейка ва ш. к.). Вагон олдидеги қоровулнинг бош суяги пачақланиб, ўтиргич ёнида чўзилганди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎТИШ ўтмоқ фл. иш оти. Маҳалла оқсоқолларининг олдидан ўтиши керак. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари. Ҳажга ўтишида ҳам шу ерга қўнган эдик. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Бирон одамнинг ўзидан наст ё баландлигини эса унинг уйида неча гилами борлиги ёки неча кишига сўзи ўтиши билан ўлчар эди. А. Қаҳхор, Хотинлар.

ЎТИШМОҚ ўтмоқ 1, 2, 5—7, 10—17, 19, 20, 26—31 фл. бирг. н. Альпинистлар қорли тоғдан ўтишиди. — Ёрмат супа атрофида сувни қалин сепган, улар [меҳмонлар] супага ўтишиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ЎТКАЗГИЧ физ. Ўзидан иссиқлик, тебраниш, электр токи ва ш.к.ни яхши ўтказадиган модда. Ярим ўтказгич. Электр ўтказгич. — Радиоактив нурланиш ҳавони ионлаштиради, уни электр ўтказгич қилади. «Қизиқарли геохимия».

ЎТКАЗДИРМОҚ ўтказмоқ фл. орт. н.

ЎТКАЗИЛМОҚ ўтказмоқ фл. мажҳ. н. Отряд дарёдан ўтказилди. Ун элакдан ўтказилди. Вақт бекорга ўтказилмади. Тантанали митинг ўтказилди. У бошқа лавозимга ўтказилди. Китоблар рўйхатдан ўтказилсин. — Пулемёт бузилмаган, ҳатто янги лента ўтказилган, нарида ўқ солинадиган иккита металл қўти ҳам турибди. А. Қаҳхор, Олтин юлдуз. Қисқа жангдан сўнра эронийлар орқаларига қарамай қочдилар. Уларнинг бир қисми қиличдан ўтказилди, бир қисми қўлга туширилди. М. Осим, Тўмарис.

ЎТКАЗИШМОҚ ўтказмоқ фл. бирг. н. — Кеҳирасизлар, болалар ҳозир уйқуда, у томонга ҳеч кимни ўтказишмайди, — деди [жувон]. А. Қаҳхор, Қартина. Бир бечора сизнинг орзунигизни деб, қизи устига кундош юклади ва бираллашиб тўйиниғизни ўтказишди. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЎТКАЗМОҚ ўтмоқ 1—6, 8—18, 21—23, 25, 26, 28—30 фл. орт. н. Машинани кўприкдан ўтказмоқ. Унни элакдан ўтказмоқ. Металл электрни ва иссиқликни яхши ўтказишди. Мажлис ўтказмоқ. Вақтни иш билан ўтказмоқ. Ўз номига ўтказмоқ. — Бу жиҳатдан ишчиларга муомала қилиш осонроқ эди, деб дилдан ўтказди Ботирали. С. Аҳмад, Хукм. [Бой] ўзига қўшни бўлган камбағал деҳқонларнинг озгина-узгина, кемтик-септик ерларини минг рангли ҳийла-ю найранг билан арзон-арзоева ўзига ўтказиб, кундан-кун ерини кўпайтирар экан. Ғ. Ғулум, Тирилган мурда.

◆ Бурнидан ип (ёки сим) ўтказиб олмоқ қ. бурун I. Қиличдан ўтказмоқ қ. қилич I.

ЎТКАЗУВЧАН физ. Ўзидан иссиқлик, тебраниш, электр токи ва ш.к.ни яхши ўтказадиган ва чиқарадиган.

ЎТКАЗУВЧАНЛИК ўтказувчан с. белги оти. Миснинг ўтказувчанлиги.

ЎТКАРМОҚ эск. айн. ўтказмоқ. Э, синглим, на савдоларни кўр-

динг, на ишларни бошингдан ўткардинг. «Эрали ва Шерали».

ЎТКИЗИЛМОҚ ўткизмоқ фл. мажҳ.

н. ЎТКИЗИШМОҚ ўткизмоқ фл. бирг.

н. ЎТКИЗМОҚ ўтмоқ 1—6, 8—18, 21—23, 25, 26, 28—30 фл. орт. н.

ЎТКИНЧИ I Бирор жойдан ўтиб кетувчи, йўловчи. Олимжон табасум-ла. Дер: «Ўткинчи боламан. Шаҳарга тушган эдим, Лагеримга бораман». Қ. Мухаммадий. Низомжон ҳеч бошлиғидан ижозат олиб, тонг ёриши билан Олтиариқ йўлига чиқди-ю, ўткинчи машинага қўл кўтарди. С. Аҳмад, Уфқ. || Кеч кичиб қолган бўлса ҳам одам-одамни таний олар, ўткинчиларнинг кимлигини билиб бўлар эди. Ойдин, Гулсанам. Ўткинчилар уни [Ислохўжани] кўриб, тақа-тақ тўхтаб, йўл бериб, икки буқилиб таъзим қилардилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тезда ўтиб кетадиган, оз фурсат ичида йўқ бўладиган, вақтинчали. Ўткинчи ҳавас. — Ҳозиргина тинган ўткинчи ёмғир кундузги тинимсиз ҳаракатдан кўтарилган чангни босган. А. Қаҳхор, Сароб. Мен ёш бола эмасман, ўткинчи бир туйғу бўлса билар эдим. П. Қодиров, Уч илди.

ЎТКИР I Яхши кесадиган; кескир; тиғли. Ўткир қайчи. Ўткир устара. Ўткир пичоқ. — Али тажаннинг кўзлари яна ййлаб кетди. Қани қўлида ўткир болтаси бўлса-ю, энг адил бир дарахтни кесиб елкага олиб жўнаса! Ойбек, Қуёш қораймас. Сапчиб ҳиқилдоғини ажратилиш учун бўлган Муталнинг биринчи ҳаракати бўлса кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар фарча ботирилди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Учи найзаланган, учли. Ўткир биғиз. Ўткир найза, Ўткир учли қалам.

2 Учига томон ингичкалашиб борган, учли. Ўткир тош. — Унинг [чолнинг] ўткир энгагидаги саноқли бир тутам оялоқ соқоли аста қимирлади. С. Анорбоев, Оқсой. Отам онамни яна бир урди. Унинг ўткир тиззаси мени нари итқитиб ташлади. Қ. Аҳмар, Қим ҳақ? Ўткир бурчак геом. тўғри бурчакдан кичик бурчак.

3 Таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш, кўриш каби сезги органларига кучли таъсир этадиган, кучли. Ўткир овоз. Тузи ўткир оёқат. Қўшнинг ўткир нури куйдирмоқда. — Бу ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир ялғизлар.. ўсган. Қ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Аччиқ, ўткир тамакидан боши гир айланиб, кўзлари ёшланди-да, йўтала-йўтала юриб кетди. Ойбек, Нур қидириб. Оч қоринга тушган ўткир май виз эттириб меъдани қайнатди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Тез ва аниқ ишлайдиган; яхши тараққий қилган. Зехни ўткир бола. Ўткир ақл. — Ҳаёлар дунёси кенг,



Ўткир фикрли бу ҳассос қиз берилиб кичик-кичик ҳуюқлар ёзар эди. Ойбек, Нур қидириб. | Диққат билан синчиклаб қарайдиган, яхши ва равон кўрадиган. У ўз-ўзига нимадир деди-ю, Смирновга ўткир назар ташлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Полвоннинг ўткир кўзлари Жумагулни қидирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

5 Ўз ишини ёки касбини ниҳоятда яхши эгаллаган; ўз соҳасини чуқур биладиган; юқори малакали, уста, моҳир. **Ўткир танқидчи.** **Ўткир тарихчи.** — **Лекин Ботирали тўқай** оралаб борар экан, гарчанд ўзи ўткир овчилардан бўлса ҳам, ана шундай овга шитини ўйламади. Х. Фулом, Машъал. **Карим чилдирмани қўшоқ қилиб** чаладиган ҳўнари ўткир чилдирмачи. С. Анорбоев, Оқсой. **Бувиси—Тилла кампир ҳам ўткир шоирдир.** «Равшан». **Юсуфжон ака Фаргона водийсининг энг ўткир йўнчи** устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | Ҳар жиҳатдан етук, зийрак. **Ўткир йўғит.** — **Мастеровойларинг жуда ўткир халқ** бўлар экан-да? — деди чол. Ойбек, Кутлуғ қон.

6 Ўзига жалб қиладиган, рухий таъсир қиладиган, таъсирчан. **Ўткир шеър.** **Ўткир ташвиқот.** || **Пича ёш-да,** бўлмаса раис бўладиган сиёғи бор. **Пўписалик,** ниҳоятда сиёсати ўткир кўринди. Уйғун, Навбахор. | Рухий кўтаринкиликни ифодалайдиган, оташин. **Ўткир нутқ.** — **Халқона ўткир иборалар,** чуқур ҳикматли мақоллар унинг нутқининг жонли, ёрқин безаклари эди. Ойбек, Нур қидириб. **Ўткир нафас(ли)** ёки **нафаси ўткир** 1) нутқи кишиларга тез таъсир қиладиган. **Ўткир нафасли шоир.** **Нафаси ўткир нотиқ;** 2) дин. дуоси тез ижобат бўладиган, дуоси қабул бўладиган. Бундан уч ой илгари Нурини ўткир нафасли домлага олиб борган кун, ташқар ховлида қорда чўққайиб идиш ювган бу қизга унинг кўзи тасодифан тушган эди. Ойбек, Кутлуғ қон. **Қалами ўткир қ.** қалам 3.

7 **кўчма** Рухан қаттиқ таъсир қиладиган, кишига қаттиқ ботадиган; ништарли, аччиқ, захар. **Унинг тили ўткир.** — **Бу ўткир таъналар** Эргашинг тилини янада узун қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Кутбия:] **Ўткир сўзларинг учун ўзимни жарга,** қудуққа, ўтга, сувга отишга ҳам тайёрман. Айний, Қўлар. || **Элмурод.** одамларнинг жаҳолатни шундай ўткир масхаралайдиган хангама тўқиганларидан қойил бўлиб кулди. П. Турсун, Уқитувчи.

8 **с. т. кўчма** Айтганини қилдирадиган, ўз фикрини ўтказадиган; шаддод. **Ўткир хотин.**

9 **Ўткир (эркаклар исми).**  
**ЎТҚИРЛАМОҚ** Яхши ўтадиган, кесадиган холга келтирмоқ, ўткир қилмоқ, чархламоқ, қайрамоқ. **Саховатли, одил ва дилкаш темирчи унине**

дурадгорлик асбоб-ускуналарини ясаб ёки, ўткирлаб берарди, ҳақ сўрамасди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЎТҚИРЛАНМОҚ** ўткирламоқ **фл.** ўзл. **ва мажҳ.** н.

**ЎТҚИРЛАТМОҚ** ўткирламоқ **фл.** орт. н.

**ЎТҚИРЛАШМОҚ** 1 Яхши кесадиган ёки яхши ўтадиган холга келмоқ. **Пичоқ ўткирлашди.** **Бигиз ўткирлашди.**

2 Даражаси ортмоқ, кескин тус олмақ, кучаймоқ. **Шаҳмат тожи учун** кураш ўткирлашмоқда. — **Аччиқ аёз** кўрсатар кучин. **Ўткирлашди** совуқнинг қаҳри. Д. Файзий. **Гўё** зехни бояйдан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулиги гаплар [Мирзанинг] хаёлига ўзидан-ўзи қўйилиб келарди. О. Ёқубов, Мирза терак.

**ЎТҚИРЛАШТИРМОҚ** ўткирлашмоқ **фл.** орт. н.

**ЎТҚИРЛИК** ўткир 1—8 с. белги оти. **Пичоқнинг ўткирлиги.** **Овознинг ўткирлиги.** **Зехнининг ўткирлиги.** **Итнинг ўткирлигини тўлки суймаса.** Мақол. — **Бу томондан қараганда,** Ўзбек оймнинг ўткирлиги эрлар томонидан ҳам тасдиқ этилганлигини иқдор қилишга тўғри келади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎТЛАМОҚ** 1 Ўсиб ётган ўт-кўкатдан емоқ (хайвон ҳақида). **Анҳорёқасидаги** толлар орасида иккита оқ ёчки ўтлаб юради. Ойбек, Кутлуғ қон. **Узоқда,** тоғ ёнбағирларида, беҳисоб қоракўл қўйларни ўтлайди. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда.

2 **кўчма** Сухбат темасига алоқасиз нарсалар ҳақида гапирмоқ. **Майли энди,** қўйинг, ота. **Кўпман** гапни чўзмагн, ўтлаб кетдингиз. С. Аҳмад, Хукм. | **Пала-партиш** гапирмоқ, вальдирамоқ, вайсамоқ. [Шум бола:] **Сўкса сўкаверсин,** мен эшитмагандан кейин оғзига келганини ўтласин. Ф. Фулом, Шум бола.

**ЎТЛАТИЛМОҚ** ўтлатмоқ **фл.** мажҳ. н. **Қўйлар** яхши ўтлатилди.

**ЎТЛАТМОҚ** ўтламоқ 1 **фл.** орт. н. **Қўйларни ўтлатмоқ.** **Ғоз** ва **куркаларни ўтлатмоқ.** — **Элмурод Сайфулла** йўл кўрсатиб қўйган **Ракат** томонларга сиеирларни олиб чиқиб ўтлатиб кела бошлади. П. Турсун, Уқитувчи. **Бекжон** .. **Матжон** тўранинг сиеирини йўлда ўтлатиб, қозикқа боғлаб қўйган эди, борса, сиеир йўқ. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЎТЛАШМОҚ** ўтламоқ **фл.** бирг. н. **Анҳорнинг** икки томони **Матжон** тўра ерлари эди, .. тўранинг йилқилари, сиеир, қўйлари ўтлашиб юрибди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЎТЛИ** 1 1 Ёниб, нур сочиб турадиган. **Булутларга** ўраган **Кўёш** ўтли юзини. **Ғайратий.** **Узоқда** қоп-қорайиб ярим осмонни тўсиб тураан адирнинг устида, уфқда ўтли **из қолдириб** юлдузлар учди. А. Каххор, Мастон. | **Ҳароратли,** иссиқ. У [Фуломжон] ёно-

ғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб синиқ товуши билан пиширлади. М. Исмоний, Фаргона т. о.

2 **кўчма** Зўр эхтиросли; қайноқ. **Қон-қардош халқларнинг ўтли юраги,** **Қўшилмай қоларми юрагимизга!** Х. Пўлат. **Иссиқ қучоқ,** ўтли бўсадан **Томирингда** жўш урганда қон, **Бир туш** каби туюлар сенга **Оғирчилик,** соғиниш, ҳижрон. Уйғун. | **Чақнаб** турган. **Дилдор.** **Асроранинг ўтли кўзларига** боқиб **туруб гапира** кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 **кўчма** Ғайратли, шижоатли, серғайрат, шаҳдам. **Ўтли йўғит.** — **Айниқса** комсомоллар **мастўл** котиби **Ҳасан Раҳмат** ажойиб ўтли бир ёшдир. А. Қодирий, Обид кетмон. | **Ғайрат** ва **шижоат** бахш этадиган. — **Марксизм—ягона илгор,** ягона ҳақиқатчи **улуғ таълимот.** **Бу—ҳаётни** ўзгартганининг **қудратли қуроли!** — деди секин, алмо ўтли товуши билан **Муҳаммад Жамол.** Ойбек, Нур қидириб.

4 **кўчма** Кучли рухий азоб берадиган, аламли. **Юксалди ўтли фиғони.** **Юртин эслаб** кунди жони. **Ғайратий.** **У Ғавҳарнинг** ошқ зинк олдига турганини **узоқдан** кўрди-ю, боя шу зинк ойнасидан **изтироб** билан қараганини эслаб, **баданига ўтли ҳаяжон** югурди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ЎТЛИ II** Ўт, кўкат билан қопланган. **Ўтли далалар.** **Ўтли соҳил.**

**ЎТЛИ-ШУДЛИ** Ҳар ишни уdda қиладиган, серғайрат. **Башорат.** ўтли-шудли хотин экан, ўзини эглаб кетади. С. Аҳмад, Муллажон. **Баъзи ўтли-шудли студентлар уни «писмиқ»** дейишарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЎТЛОВ** айн. ўтлоқ. **Кўрада** бандилардан **бошқа жонзот қолмаган,** қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар. Айний, Қўлар.

**ЎТЛОҚ** Ўт-алаф ўсиб ётган ер, ўтли майдон. У [Бўронбек] **кўчадаги,** гузардаги одамларга кўринишга ҳам журғат қилолмай, йўлни чўрт кесиб ўтди-да, далага чиқиб, ўтлоқ оралаб кетган сўқмоқдан борди. Х. Фулом, Машъал. | **Чорва ўтлатиладиган** жой, яйлов. **Дашт ўтлоғи.** **Тоғ ўтлоғи.** — **Элмурод** мол боқши учун ўтлоқ қидириб кун сайин **узокроққа** кетиб қолар.. эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЎТМАС** Яхши кесмайдиган, дами қайтган, ўтмайдиган. **Ўтмас** тўғнинг тили эгов. Мақол. **Ўтмас** пичоқ қўл кесар. Мақол. — **Унинг [Сотволдининг]** юзи қаттиқ **серқирра** тошларга **узоқ вақт** ишқаланган ёки қандайдир ўтмас **теши** билан **йўнилганга** ўхшарди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Ўтмас бурчак** мат. тўғри бурчакдан катта, лекин ёйиқ бурчакдан кичик бурчак. **Ўтмас** мол биров сотиб олмайдиган, сотилмай қолган, паст сифатли буюм ёки нарса. **Ақли (ёки зехни, фикри)** ўтмас дарров англаб,



тушуниб етолмайдиған; анқов, қовоқ-бош.

**ЎТМАСЛАНМОҚ** Яхши кесмайдиған, ўтмас бўлиб қолмоқ. *Зиндон камлик қилдимиз? Ёки жаллод пичоғи ўтмасландими? М. Жўрабоев, Мулла Б. м.*

**ЎТМАСЛАНТИРМОҚ** ўтмасланмоқ *фл. орт. н. Ақлни (ёки зехни, фикрни) ўтмаслантирмоқ айн. ақлни (ёки зехни, фикрни) ўтмаслаштирмоқ қ. ўтмаслаштирмоқ.* — *Йиғи ақлни ўтмаслантиради, иродани букади, холос. Сира йиғламанлар, — деди Розик амаки. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қаббли қиз.*

**ЎТМАСЛАШМОҚ** Яхши кесмайдиған, ўтмас бўлиб қолмоқ, дами қайтмоқ. *Пичоқ ўтмаслашди. Ақли (ёки зехни, фикри) ўтмаслашди дарров тушуна олмайдиған, аниқ фикр юрнта олмайдиған бўлиб қолди, гангиб қолди. Ақлим ўтмаслашиб, бошимда ҳар хил хаёллар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. С. Зунунова, Гулбахор. Мир-ҳайдар зах зиндон этини сўриб, қуруқ суяк мушукдек бўлиб қолған сарроғжа тикилар, унинг ақли ўтмаслашиб, йўлайвериб савдойи бўлиб қолганини аллақачон пайқаган эди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.*

**ЎТМАСЛАШТИРМОҚ** ўтмаслашмоқ *фл. орт. н. Ақлни (ёки зехни, фикрни) ўтмаслаштирмоқ бирор кимсани дарров тушуна олмайдиған ҳолга келтирмоқ, гангитиб қўймоқ. Қироатхонлик, ҳарфхўрлик фикрни ўтмаслаштиради.*

**ЎТМАСЛИК** ўтмас с. белги оти. *Пичоқнинг ўтмаслиги. Зехннинг ўтмаслиги.*

**ЎТМИШ** Ўтган, илгариги давр, кечмиш, мозий. *Ҳеч қачон эсдан чиқармайликки, аёллар ўтмишида ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган. П. Турсун, Ўқитувчи. Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз, Ҳар они ўтмишининг юз йилига тенг. Ғ. Ғулом. Узоқ-узоқ ўтмишига Элтар сўнгусиз хоёллар. Х. Салоҳ. | Киши ҳаётининг яшаб ўтилган қисми. Унинг ўтмиши жуда аянчли бўлган.*

**ЎТМОҚ** 1 Бирор нарсанинг ичидан, устидан ёки ёнидан юриб, учиб, сузиб нариги томонига етмоқ, кўчмоқ. *Кўприкдан ўтмоқ. Туннелдан ўтмоқ. Чегарадан ўтмоқ. Самолёт Қизилқум устидан учиб ўтди. Ишим битди, эшагим лойдан ўтди. Мақол. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Мақол. — Баҳор келиб осмон тўла ғоз ўтди. Э. Раҳим. Аҳмаджон бир чордевордан ўтиб, кичкина майдонга чиққанида рўпарадан нулмёт тариллади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Эшик ортиқча тор бўлгани учун от сикилибгина ўтди-да, .. узунгина, усти очиқ йўлакка бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.* | Бирор жойга етиб бориб, ундан ҳам ошиб кетмоқ, нари кетмоқ. *Эшелон Оренбургдан ўтди, аллақайси стан-*

*цияда бир неча соат тўхтаб қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, жойни ўзгартмоқ, кўчмоқ. *Бошқа квартирга ўтмоқ. — [Уста кулол:] Мен бир турмадан иккинчи турмага ўтайтибман, нега йиғлайсан! А. Қаҳҳор, Томошабоғ.*

3 Бирор нарсанинг орасидан силжиб, бошқа томонга сизиб чиқмоқ, сизиб оқмоқ. *Сув ўтмайдиған плаш. Сиеҳ қоғоздан ўтибди. Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас. Мақол. — Қапсанчилардан [томидан] чакка ўтмаган уй кам қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

4 Тешик, эшик каби бирор жойнинг бир томонидан кириб нариги томонидан чиқмоқ. *Ип игна тешигидан ўтмади. Томоғидан ҳеч нарса (ёки овқат) ўтмайди қ. томоқ 2. Уйда хизматчи овқат қўйган экан, санъаткорнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади — икки пиёла чой ичди, холос. А. Қаҳҳор, Санъаткор. | Нарсанинг нариги томонига ёриб, тешиб чиқмоқ, нариги томонидан кўринмоқ. Мих тахтадан ўтди. Найза қалқондан ўтмади. Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди, харсангага қоққан билан мих ўтмайди. Мақол. | Кесиш, қирқиш хусусиятига эга бўлмоқ; кесмоқ, қирқмоқ. Бу гўшуга пичоқ ўтади. Тирноқ олишга қайчи ўтадими?*

5 Бирор томонга йўналмоқ; юриб, сузиб ёки учиб бирор томонга жўнамоқ; бирор томонга қараб юрмоқ. *Бу дарёдан ҳар кун ич марта пароход ўтади. Сахарда «қув-қув» қилиб турналар ўтди. Шу томонга бешта самолёт ўтди. Ит ҳурар, карвон ўтар. Мақол. — Бўйинларига осилган қўнғироқларини оғир жаранглашиб тўялар ўтади. Ойбек, Қутлуг қон. Тўқай чеккасида икки ўқ варанглади. Бемўлжал отилган бу ўқлар анча наридан визиллаб ўтди. Х. Ғулом, Машъал. | Бирор жойга бормоқ, кўзда тутилган жойни эгалламоқ, ишғол қилмоқ. Тамара шахдам ҳаракат қилди, аёлнинг ёнбошига ўтиб, ёнидан кўзига кўз қирини ташлади. М. Муҳамедов, Қаҳрамон нзидан. Абдураул Матҳолиқов. .. ҳамма билан кўришиб чиққандан кейин, муаллим ёнига ўтиб ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бирор жойга бориб ўрнашмоқ, ўтирмоқ ёки турмоқ. Бўсагадан тойилсанг, тўрга ўтма. Мақол. — Эшон ая то Бўта яқин келгунча тўнғак панасига ўтиб, уни кутиб турди. С. Аҳмад, Хукм. Қани, қани, сандалга ўтинг, мен чироқни ёқиб юборай. М. Исмонлий, Фарғона т. о. | Оқмоқ, бирор томонга қараб ҳаракат қилмоқ (сув ҳақида). Адирнинг тагидан бир ариқ сув ўтар эди. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

6 Тезроқ юриб ёки юргизиб, бошқадан олдин кетмоқ; қувиб етиб ўзмоқ. — *Гоҳ Афанди эшакдан, гоҳ эшак Афандидан ўтиб уйга етдилар. «Латифалар».*

7 *кўчма* Бирор хусусияти билан

бошқалардан юқори турмоқ; ортиқ даражада бўлмоқ. *Қовунлар фарқ пишган, бир-бировидан ўтаман дерди. — Мана Худойназар ота ҳам бу ерда ишлаб, ўз нормасини уч юз процент бажаряпти. Ешилардан ўтиб тушяпти. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.*

8 Бирор нарсага таъсир этиб, унда ўз ҳолатини юзага келтирмоқ, юқмоқ. *Майсанинг нами кигизга ҳам ўтибди. — Ҳали танасига иссиқ ҳам ўтгани йўқ эди. Ойдин, Ҳазил эмиш. | с. т. Юқмоқ (касаллик ҳақида). Грпп — бошқа кишига ҳам ўтадиған касаллик.*

9 *кўчма* Бировга таъсир этиб, унда ҳам ўз ҳолатини акс эттирмоқ, намоён бўлмоқ; кўчмоқ. *Ҳоким, йигирма беш солдатнинг кучи ўзига ўтиб қолғандек, кучана бошлади. М. Исмонлий, Фарғона т. о. | Мерос бўлиб қолмоқ. Ота-онамишдаги ширали овоз, гўзалликка ҳавас, майинлик биз болаларга ҳам ўтади. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Иқбол чироғининг сўнмас ёғдуси Насадан-наслага ўтар, йўқ завол. Ғайратий.*

10 Бировдан воз кечиб, бошқага кўшилмоқ, бошқага тарафқаш бўлмоқ. *Рақиб томонга ўтмоқ. — Уч йилдан бери сизнинг сўзингизни айтиб, ёнингизда келган қайин онангиз ҳам душманингиз ёнига ўтсин. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

11 Бирор нарсани ёки тадбирни бошлашга киришмоқ. *Мудофаага ўтмоқ. — Қизлар иккинчи байтга ўтдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Икки кун ичида айрим эъводлар ўн марталаб ҳужумга ўтдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Қори бирдан ўзига жиддий тус бериб, бошқа мавзуга ўтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ж. к. ф.даги от билан келиб, шу отдан англашилган машғулот билан шуғуллана бошлагани билдиради. Вағъхонлик, насихатгўйликдан воз кечиб, ҳайбаракалалчиликка ўтди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Талайгина одам тўпланганини кўрган Аббосхўжа домла жазавасидан тушиб, вағъхонликка ўтди. «Муштум», 1959, № 2.*

12 Бирор лавозимга сайланмоқ. *Оқибат, Воҳидов айтган номзод ўтди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Бўта раисликка яна ўтмаса, мен хижолат бўлиб қоламан. С. Аҳмад, Хукм. | Умуман бирор иш, ўқиш, вазифа, ўрин ва ш. к.га кирмоқ, жойлашмоқ. Қудрат .. депода шоғирд бўлиб ишлайдиған бир қанча рус болалари билан оғайни тутинди ва ниҳоят, ўзи ҳам депода шоғирд бўлиб ўтиб кетди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. [Абдушукур] бу ерда бир татар савдогарнинг хизматида ўтиб, Қозонга кетди. Ойбек, Қутлуг қон. | Бир иш ёки ўқишдан бошқа иш ёки ўқишга кўчмоқ. Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми? А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. | Бирор синф, курс каби-ларни тамомлаб, ундан юқори даража-*

даги синф ёки курсда ўқийдиган бўлмоқ, кўчмоқ. Аъло баҳолар билан юқори синфга ўтмоқ. Сўнги имтиҳонни топишира олсанг, тўртинчи курсга ўтасан.

13 Бирор бурч ёки вазифани белгили муҳлатда бажармоқ, адо этмоқ, ўтамоқ. *Харбий хизматни ўтганмисан?* ■ Янги аъзолар белгиланган кандидатлик стажини ўтган кандидатлар орасидан қабул қилинади. «ҚПСС Устави».

14 Бирор темани (мас. ёзувчи ижодини) дарсда эшити ёки мустақил ўқиб ўрганмоқ. *Бу темани ўзинчи синфда ўтамиз. Ўқитувчи бугун янги темани ўтади.*

15 Синаш учун берилган саволларга жавоб бермоқ, бирор соҳа бўйича билгани етарли ёки юқори даражада эканини исботламоқ. *Имтиҳондан ўтмоқ. У уч фандан яхши ўтди-ю, иншодан йиқилди.* ■ *Формализм, натурализмлардан ўтдим,— ҳеч ким отвод бергани йўқ.* А. Қаххор, Санъаткор. У [Аҳмаджон], яхши нулметчи бўлиб, синодан ўтган бу кунларда Қизил Армия бир ярим миң километр масофада фронт бўйлаб ҳужум қилмоқда. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

16 Бирор нарсага аниқлаш, белгилаш учун ўтказилган текширишда ижобий натижага эришмоқ. *Мандат комиссиясидан ўтмоқ.* ■ [Сиддиқа:] *Қанча-қанча докторлардан ўтиб охири Ўқтамжоннинг қўлига келдим. С. Зуннунова, Қўзлар.*

17 Бирор ташкилотнинг аъзоси, иштирокчиси бўлмоқ, бирор ташкилотга аъзо бўлиб кирмоқ, кўшилмоқ. *Комсомол сафига ўтмоқ. Пйонерга ўтмоқ.*

18 Пайт билдирувчи сўзлардан кейин келиб, ундан англашилган вақт бирлигининг давом этиб тугашини билдиради. *Кунлар тез ўтаяпти. Яна бир-икки ҳафта ўтсин. Йигирма минут ўтган, спектакль бошланади. Бу иш биттунча, ёз ўтиб бўлади.* ■ *Шу аҳволда уч йил ўтди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Орадан ярим соат чамаси вақт ўтган эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Менга аввал озиқ-овқатни кўрсат, Бултургидек яна ўтмоқда фурсат.* А. Пўлат. [Мастурин хола:] *Сен ҳали ёшсан, қизим. Бизнеси ёшимиз ўтди, калтароқ соч ҳам бўлаверади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ёшим етмишда, Элик йил мол, пўл қайғусида»* юрдим. *Яхши емадим, яхши ичмадим, яхши киймадим. Мана умрим ўтди, нуқул азоб ичида ўтди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ҳаял ўтмай, Дилиод югуриб чиқди.* М. Исмойлий, Фарғона т. о. *Илғари «сингелим» деб турган йиғитлар, сал ўтмай «опа» дейдиган бўлишди.* А. Қаххор, Мас-тон. *Кўп ўтмай тонг отар, Тоғлар ошиб, кун ботар.* Й. Муслим. | *Воқе бўлиб ёки маълум муддат давом этиб тугамоқ, тамом бўлмоқ. Ишонманки, концерт зўр муваффақият билан ўтади.* ■ [Гулчўра:] *Хўрматли қори афандим, генерал билан бўлган музо-*

*караларингиз менсиз ўтди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Катта ҳайит бўлса ўтган, кичигига ҳали бор.* М. Исмойлий, Фарғона т. о.— *Қўрагим, йиғим-терим ўтсинчи,— деб Ғиёсиддинов сабр-сизланиб яна соатида қаради.* П. Қодиров, Қора кўзлар. | *Ўз ҳаракатини, таъсирини тўхтамоқ; тўхтамоқ, тамом бўлмоқ ёки бошқа жойга жилиб кетмоқ. Ёз ёмғири бирпасда ўтиб кетади. Момақалдироқ ўтиб кетди. Бўрон ўтиб кетган, йўлга тушамиз | с. т. Соғаймоқ, тузалмоқ. Бепарво бўлмасанг, тумов тезда ўтиб кетади. Унинг йўтали негадир ўтиб кетма-япти.* ■ *Шамоллагансиз, хафа бўлманг, ўтиб кетади.* Ойбек, Қутлуг қон.

19 Яшаб, маълум бир ёшга кирмоқ; ... ёшга қадам қўймоқ. *Ўғлим ўн тўрттадан ўн бешга ўтди.* ■ *Иккинчиси — етмишлардан ўтган бир кампир, Офтоб ойлмининг онаси — Ойша буви.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

20 Умр кўрмоқ, яшамоқ.— *Бир замонда,— деди дадам,— Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан.* Ойбек, Қутлуг қон. *Қадим замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди.* «Алпомиш». | *Бирор касб билан шуғулланиб яшамоқ, бирор тарзда ҳаёт кечирмоқ. Лекин Найманчада етти пушти бўлчи ўтганлардан ҳам ҳали белбоққа ёлчиган косиб чиққан эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг ота-онаси ҳам шоир ўтган.* «Равшан». *Ёшликда сатанг ўтиб, бу доирада сочи оқарган .. бир кампир кирди.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Умрининг охиригача бирор йўсинда яшамоқ, умр ўтказмоқ. Авлод десанг, етти пуштганча Мактаб юзин кўролмади ўтди.* Э. Раҳим. *Бир қаричлигимда етим қолиб, амакимнинг хизматида ўтиб кетганман.* Ойдин, Ширинга мактуб. | *с. т. Ўлмоқ, вафот этмоқ. Ҳар бир куним сиёҳ бўлди, Қон ютаман; Балки ҳақни тополмасдан Мен ўтаман.* Туйғун, Зулфизар. *Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.* Ҳ. Олимжон. *Дунёдан (ёки оламдан) ўтмоқ* вафот этмоқ, ўлмоқ. *Ялангўшининг отаси дунёдан ўтди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Кексалар оламдан ўтса, кексалар ҳаммадан кўп қайғурадилар, бу қайғу — жуда қаттиқ ва оғир бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

21 Бирор жойда мавжуд бўлмоқ ёки барпо этилмоқ; бирор жойни эгаллаб, чўзилиб ётмоқ (йўл, сув йўли ва ш. к. ҳақнда). *Канал водийнинг ўртасидан ўтади. Шу тоғни тешиб темир йўл ўтади.* ■ *Тор сўқмоқ қалин арчазорлар орасидан ўтар.. эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

22 Воқе бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ. *Ҳаммадан ҳам хато ўтади. Бу орада қандай ҳодиса ўтган — билмадим. Ўрталаридан бирор совуқчилик ўтдимикан?* ■ *Қизққ йиғит,— деди қутидор,— мenden ҳам*

*катта нодонлик ўтган!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Орада бир-икки оғиз гап ўтди.* *Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўллаганинг қанғишарига мушт тушди, стол ағанаб кетди.* А. Қаххор, Оғайнилар. | («Билан» кўмакчи воситасида) *Юзага келмоқ ва давом этмоқ. [Мирзакаримбой:] Одам атодан буён тирикчилик бугдой, ун билан ўтади.* Ойбек, Қутлуг қон. | *с. т. (ч. к. билан) Вирор хатога йўл қўймоқ, хато қилмоқ. Бировга тўнкама — ўзинедан ўтди.* ■ [Тўллаган:] *Ўртоқ Сафаров, мenden ўтди, Сизнинг олдингизда беадабчилик қилдим.* А. Қаххор, Қўшчинор.— *Раҳимдан ҳам ўтган,— деди у [Ҳадича ая] гапни бошқа ёққа буриб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

23 Ҳақиқий деб ҳисобланмоқ, инобатга олинмоқ; ўз кучини сақламоқ. *Бу пулнингиз ўтмайди.* ■ [Шарофат:] *Ўзим билан уришинг, уч талоқ деб ўзимга айтинг эди. Мен, уч талоқ ўрнига ўтмайди, деярганим йўқ, ўтса-ўтмаса майли.* А. Қаххор, Қўшчинор. | *Таъсир қилиб, ижобий натижа бермоқ. Бу одамга сўзинг ўтандими?* ■ *Баъзилар вса унга: «Наҳотки шундоқ ақлли пионер бўла туриб битта бувинга ташвиқотинг ўтмас!» — деб таъна қилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мулла Насриддин! Ҳокимга сизнинг гапингиз ўтади.* «Латифалар». *Додхоҳим, додхоҳлик сенга мос!* *Порасиз ўтмас сенга юз илтимос!* М. Исмойлий, Фарғона т. о. [Эсон] *акасида мастона бир қатъият, сўз ўтмас бир тундликни кўрди.* Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

24 Зарби жонни оғритадиган даражада таъсир қилмоқ, оғритмоқ. *Қалтаги ўтмоқ.* ■ *Сизларни золимнинг қамчиси ўтди, Сизларни бойлабди, менга кўп ботди.* «Фольклор». | *Кўйма Ёмон таъсир қилмоқ, қаттиқ ботмоқ, ранжитмоқ, алам қилмоқ. «Жосус» деган сўзинг менга ўтади, Баччагар, жосус деб кимни айтади?! «Рустам». Аҳмоқ, бебахт деган сўз Қоразонга жуда ўтиб кетди, ғайрати ғайратга қўшилиб ўтдай тутаниб кетиб.* «Алпомиш». *Суякдан (ёки жон-жонидан) ўтмоқ жуда алам қиладиган даражада таъсир қилмоқ, қаттиқ ранжитмоқ. Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан. Мақол.* ■ *Хотинининг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

25 Харид қилинмоқ, сотилмоқ. *Бу мол тўхтамайди — тез ўтади.* ■ *Қорхона хўжайини эрталаб домлага: «Агар магазинларда ўтмай ётган моллардан бироз олмасалар, буюртма бажарилмайди», — дебди.* А. Қаххор, Сароб. | *Умуман қадрланмоқ, талабга мос тушмоқ, кетмоқ. Бу ерда ширин сўз, юмшоқ муомала, қанд-чой ва чилимининг бирортаси ҳам ўтмайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.— *Ўтмай қолаан мардикордай, пашиша кўриб ўтира берсак, ҳа демай кун ботади,—*

деди Қарабчану. 3. Фатхуллин, Сўнас юлдуз.

26 Бирор кимсага тобе бўлмоқ, мулкига айланмоқ. [Ҳақимбойвачча:] Ер ўтдимми, улар [экилар, мевалар] ҳам ҳозирдан бизга ўтади. Ҳаммаси ердан унган нарсалар. Ойбек, Қутлуғ қон. [Зуннунхўжа] кампирга ўшқирди: — Миянг борми ўзи, Сидиқжон колхозга киргани билан ер колхозга ўтиб кетмайди, ўртада бўлади! А. Қахҳор, Қўшчинор. Завод Ғисиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳаққи йўқ эди. С. Ахмад, Хукм. | Бирор кимсанинг манфаатини ҳимоя қиладиган, унга хизмат қиладиган бўлмоқ, қўролга айланмоқ. Ҳукумат ўзимизга ўтиб, князь қочгандан кейин Тангриқул ҳожи водокачаларга даъвогар бўлипти. А. Қахҳор, Қўшчинор. Бировнинг қўлидан ўтмоқ илгари бировнинг ихтиёрида; тасарруфидан бўлмоқ. Бу машина менинг қўлимдан ўтган. — Унинг [бойнинг] қўлидан жуда кўп хизматкор, қорол, чоракор ва ҳоказо ўтган. Ойбек, Қутлуғ қон.

27 кўчма Кечирмоқ, авф этмоқ. [Тешабой:] Ҳоким жаноблари! Боқимандачиларнинг гуноҳларини мен учун ўтинг! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Ҳар гуноҳим бўлса ўтгин, аяжон, Бу юришга ўзим пуширман қилдим. «Рустам». Баҳридан ўтмоқ қ. баҳр III. (Бир қошиқ) қонидан ўтмоқ бирор гуноҳи учун қатл эттиш фикридан қайтмоқ, кечирмоқ. [Холхўжа:] Эсинг ёрида этагингни ёп. Менга йиғит бўл! Бир қошиқ қонингдан ўтаман. С. Ахмад, Хукм. Гуноҳидан ўтмоқ қ. гуноҳ 2.

28 Езилмоқ, қайд этилмоқ; ҳисобга олинмоқ. [Аҳмаджон:] Ҳар қайсимиз ўз комендатураларимизда рўйхатдан ўтиб қўйишимиз керак эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. | Айтилмоқ, кўрсатилмоқ, таъкидланмоқ, зикр этилмоқ. [Меҳмондорчиликдан] юқорида исмлари ўтган зотлардан бошқа, Ҳамид, Раҳмат ҳам Ҳасанали бор эдилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

29 Миясига келмоқ, кўз олдида пайдо бўлмоқ, гавдаланмоқ; кечмоқ. Уша учрашув ҳаёлимдан ўтди. — Ниёз қушбегининг барча гинаси Утаббойнинг мингбоши белгиланган кунидан бошлангани Юсуфбек ҳожининг мулоҳазасидан ўтди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. «Ҳамма гапни эшитиб олган экан писмиқ чол» деган фикр ҳар иккала ёшининг ҳам кўнглидан ўтди. П. Турсун, Уқитувчи. Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради. Бу қарашда ҳар иккисининг ҳам кўнглидан бир гап ўтди. А. Қахҳор, Асрор бобо. Шу ондаёқ .. Фотима билан кўришганда жилмаядиган ҳисоб ўқитувчиси унинг [Элмуроднинг] кўз олдида қачондир кўрилган кино хотираларидай ўтди. П. Турсун, Уқитувчи.

30 Равишдош формасидаги феълдан

кейин келиб йўл-йўлакай бажариладиган иш-ҳаракатни билдиради. Осмондаги самолёт, Қанотингни настлаб ўт, Қанотингга хат ёсай, Севганимга ташлаб ўт. «Кўшиқлар». [Валихўжа:] Бир йўла маъзинга ҳам кириб ўта қол. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

31 Қўмакчи феъл вазифасида келиб, етакчи феълдан англашилган маънони кучайтириш, унга диққат жалб этиш учун хизмат қилади. Ҳаммасини енгиб ўтар, Енгиб ўтди неча бор. Т. Тўла. Дафтар муттасил икки йилнинг саргушаштларидан сидирга кўз юмиб ўтади. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. Уша алам унинг юрагини тимдалаб ўтди. С. Ахмад, Мастура. [Рўзимат:] Аҳмедов акам трактор тўғрисида гапирдилар. Мен ҳам шу тўғрида гапириб ўтмоқчиман. А. Қахҳор, Қўшчинор.

◆ Бошдан ўтган қ. бош I. Инобатга ўтмоқ с. т. диққат-эътиборга сазовор бўлмоқ; аҳамият касб этмоқ. Ҳукумат идорасига кирганда паранжизини олиб ўтиринг. Бўлмаса арзингиз инобатга ўтмайди. С. Ахмад, Хукм. Кунни ўтади яшаш учун керакли нарсаларни топа олади, яшай олади, бир амаллаб яшайди. [Ермат:] Ука, бор — борича, йўқ — ҳолича, иш қилиб, бир кунимиз ўтиб турибди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қўзи ўтмайди кўра олмайд. [Фотима:] Қарай десам, қариллик қурсин, кўзим ўтмайди. Сизнинг кўзингиз ўтқирроқ. А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. Номери ўтмади с. т. қалбакилик билан қилган ҳаракати ижобий натижа бермади; мақсадга эришолмади. Олдида ўтмоқ қ. олдида. Оғиздан-оғизга ўтмоқ қ. оғиз. Пўқонидан ел ўтмаган қ. пўқон. Юзидан ўтмоқ обрўйини ҳисобга олмай, унинг зидидга бирор иш қилмоқ, андиша қилмаслик. [Солиҳ ака:] Муштдек бошинг билан сен жувонмарг ҳам менинг юзимдан ўтадиган бўлдингми? Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ? Узингиздан ўтар гап йўқ ўзингиз ҳаммасинга тушунасиз, ҳаммасини биласиз. Бу иш кечаси бўлган матқул. Кундузи бўлса, ўзингиздан ўтар гап йўқ, хунуқроқ кўринади. А. Қахҳор, Қўшчинор.

УТОВ Марказий ва Урта Осиё, шунингдек Жанубий Сибирь кўчманчиларида: енгил материаллардан конуссимон шаклда ясалган кўча уй, турар жой. Иккинчи маънода кетма-кет брезент ўтовлар, қамиш деворлар ҳам этиб келибди. Ш. Ғуломов, Қурбоналининг дадаси. Шербек ўтовнинг ошқ эшиги олдида турган таниш чехрага кўзи тўшмаганда, ўзини инграб юборишдан тийиб қўлини амри маҳол эди. С. Анорбобев, Оқсой.

УТ-ОЛОВ I Ут ва олов, оташ, аланга, чўғ.

2 кўчма айн. ўт I 4. Кунларнинг бирида Уктамхон қишлоқнинг ўт-олов йиғити, колхоз тўзлишининг актив қатнашчилари Сидиқжоннинг Мирзачўлга муҳим топшириқ билан кет-

ганини эшитиб қолди. Ш. Ғуломов, Ёркин уфқлар.

УТОҚ I Экин ичидаги бегона ўтларни юлиб ташлаш. Сабзи ўтоғи. Шоли ўтоқ. — Деҳқончилик қилиб пахта ҳам экканман. Утоқ қилганман, ғўза чопганман, пахта терганман. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

УТОҚ II Бирор хислати билан бошқалардан ўтиб кетган, юқори турайдиган, афзал, аъло; илғор. Мана, мажлис аъзолари шунақанги бир-биридан ўтоқ малаклар, парилар эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

УТОҚЧИ Утоқ қилувчи киши. Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, гизетилар етказиб бериб туриши, улар дам олганда кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди. Ҳ. Назир, Сўнас чакмоқлар.

УТОВАСИ Маълум тўда ёки группа ичида бошқаларга гапи ўтадиган, обрўли киши, тўда етакчиси; сардор. Сўнгга буларни ўрдага олиб бориб, оймларга ўтоваси қилиб қўйдилар. «Муродхон». Қари-қартанг ва ўтовасилар орага тушиб, қизни қочирган янгани зўрга ажратиб олдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. | Ҳурмат юзасидан катталарга мурожаат формаси. Сувоиҷон чолнинг жим бўлиб қолганини жаҳлдан тушидига йўйиб: — Утоваси, қўчқорларни ҳайдаб кетаверайми? — деб сўради секин. С. Анорбобев, Оқсой. — Ассалом алайкум, ўтоваси! — деб салом беришда [мол боқиб юрган эркаклар, аёллар, болалар] дадамни кўриб. Ойбек, Болалик.

УТПАРАСТ тар. Утни худо деб билувчи, ўтга сизинувчи.

УТПАРАСТЛИК тар. Утпарастлар дини.

УТРОҚ Маълум бир жойда доимий яшайдиган; турғун. Утроқ халқ. Инсон ўрганмаган ўтроқ ҳаётга, Унинг-чун ватандир ҳар гулшан водий. Ҳ. Олимжон.

УТРОҚЛАШМОҚ Утроқ ҳаёт кечирishiга ўтмоқ; турғунлашмоқ. Қўчманчи чорвадорлар ўтроқлашиб қрадчилар. — Отаси Жомрот ўзбекнинг кўпроқ ўтроқлаган «Қатагон» уруғидан, чаласавод деҳқон эди. «Фольклор».

УТБОЧАР ҳарв. Душманга ёниб турган суюқлик сочадиган қуроқ.

УТТИЗ снқ сон 30 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Уттиз метр чит. Икки ўн беш — бир ўттиз. Мақол. Оларда — ҳисоби тўғқиз, берарда — саноғи ўттиз. Мақол. — Мана энди ишонгандирсиз! — дедим унинг қўлиғидаги портфелига кўз қиримни ташлаб, — санамай саккиз, ўйламай ўттиз дема, деб шуни айтадилар. С. Абдуқахҳор, Санамай саккиз дема. Эрак-аёл — жами ўттизга яқин одам тор кўчага гул бўлган. Ойбек, Қутлуғ қон.

УТТИЗИНЧИ тарвб сон I Тартиб ўрни 30 рақами билан белгиланган,

30 номерли. *Ўттизинчи уй.* — *Ўттизинчи йилларда қаёқда эдингиз, мулла ака!* — деди [Даврон ака]. А. Қаххор, Картина.

2 Катта-кичик нарсаларнинг йигирма тўққизинчидан каттаси, ўттиз бирдан кичик ўлчам номери. *Ўттизинчи туфли.*

**ЎТТИЗТА** дона сон Ўттиз дона. *Ўттизта бола. Ўттизта китоб.*

**ЎТТИЗТАЧА** чама сон Миқдори ўттизга яқин, ўттиз атрофида. *Ўттизтача одам. Ўттизтача қалам.*

**ЎТХОНА** Махсус қозон, бак ёки печканинг ўт ёқадиган жойи. *Паровознинг ўтхонаси. Ҳаммомнинг ўтхонаси.* — *Очил мана шуни ҳис қилиб, ўтхонага тушгандай чўғланиб кетган эди.* П. Қодиров, Уч илди. | *Самоварнинг ичиди ўт ёқиладиган труба-симон қисми.* [Рамазон] *самоварнинг кўлдоници ингичка сим билан атрофлаб қавлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тош кўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**ЎТХҲҲ** Ўт, кўкатни суйиб ейдиган. *ЎтхҲҲ ҳайвонлар.*

**ЎТ-ЎЛАН** Ҳар хил ўтлар, кўкатлар. *Рота бир қатор бўлиб сўқмоқдан, баланд ўсган ўт-ўланлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетмоқда эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ЎТҚАЗДИРМОҚ** ўтқазмоқ фл. орт. н.

**ЎТҚАЗИЛМОҚ** ўтқазмоқ фл. мажҳ. н. *Қумушибиби уйнинг тўрига ўтқазилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳали очилмаган кўчаларнинг икки юзига саксон беш мингдан ортиқ кўчат ўтқазилди.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Йўлчи қамалгач, уч-тўрт кундан кейин темир қафасга бир рус ҳам ўтқазилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎТҚАЗИШМОҚ** ўтқазмоқ фл. бирг. н. *Тўрға Асқар ота билан ўрта ёшлардаги икки хотинни ўтқазишди.* А. Қаххор, Хотинлар.

**ЎТҚАЗМОҚ** 1 Кимсанинг ўтириши учун жой бермоқ, ўтиришига кўмаклашмоқ. *Гиламга ўтқазмоқ. Диванга ўтқазмоқ. Машина кабинасига ўтқазмоқ.* — *Зайнаб оёғи олти, кўли етти ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта пар ёстиқни уйдди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўтқазгани жой топмади** ниҳоятда яхши қабул қилди, эъозлади. *Офтоб оймни бўлса Ўзбек ойм ўтқазгани жой топмас, куда сўзи ўрнига — синглим деб хитоб қилар, ошини ҳам унинг рағбтини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Жойлаб қўймоқ, ўрнатмоқ. *Йўлчи тоқчада ётган шамни ёқиб, бир пиллани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мулла Бурхон оптоқ доқа салгани қозиқдан оҳиста олди, кимхоб тўппиға ўтқазди ва бошига қўйди.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

3 Кўкариши учун илди қисмини

тупроққа жойламоқ, эсмоқ. *Дарахт ўтқазмоқ. Кўчат ўтқазмоқ.*

4 Ўринлаштирмоқ, жойламоқ; қўймоқ. *Квартирани ўтқазмоқ.*

◆ **Бошга ўтқазмоқ** 1) ортиқ хурмат қилмоқ, эъозламоқ; 2) бош хўжайин қилиб қўймоқ. *Еш, чиройли хотинга ёқиш, унинг кўнглини кўтариши учун, уни ҳаммамизнинг бошимизга ўтқазиб қўяди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **ЎТҚИЗИРМОҚ** ўтқизмоқ фл. орт. н. **ЎТҚИЗИЛМОҚ** ўтқизмоқ фл. мажҳ. н.

**ЎТҚИЗИШМОҚ** ўтқизмоқ фл. бирг. н. **ЎТҚИЗМОҚ** ўтмоқ 1—6, 8—18, 21—23, 25, 26, 28—30 фл. орт. н. *Кўрпачага ўтқизмоқ. Кўчат ўтқизмоқ.* — *Салимбойвачча синглисини турғиб тачага ўтқизди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎХЧИМОҚ** Кўнгли айниб йўталгансимон қаттиқ товуш чиқармоқ, йўталмоқ. *Салимбойвачча қоронғида дарахтни қучоқлаб, узоқ ўхчиди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қонни кўришим билан яна кўз олдидан қизил доғлар ўта бошлади, кўнглим беҳузур бўлиб, ўхчий бошладим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ЎХЧИШМОҚ** ўхчимоқ фл. орт. н. **ЎХЧИШМОҚ** ўхчимоқ фл. бирг. н. **ЎХЧИҚ** Ўхчишда ҳосил бўлган товуш; ўхчиш. *Ўхчиқ тўхтади. Ўхчиқ кучайди. Ўхчиғи тутди ўхчиғиси келди, ўхчиғи бошланди.*

**ЎХШАЛМОҚ** ўхшамоқ 3 фл. мажҳ. н. ай. *Ўхшамоқ 3. Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, махдум Нигор оймни тақдир этди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЎХШАМАГАН** с. т. Хунук кўринадиган, ярашмаган. *Ўхшаманган кийим. Ўхшаманган қилиқ.* | *Эҳтимол тутилмаган, қутилмаган, бемаврид. Ўхшаманган ерда бир хотиннинг арзга келиши кўрбошининг кўнглига шубҳа солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎХШАМОҚ** 1 Бошқа кимса ёки нарсани каби белгиларга эга бўлмоқ, бирор белгиси ёки кўриниши билан бошқа кимса ёки нарсани эслатмоқ. *Бола отасига ўхшайди. Бу суюқлик мойга ўхшайди. Улар бир-бирига ўхшамайди. Мол эвасига ўхшамаса ҳаром ўлади.* Мақол. — *Чирчиқ бўйи қишлоқларидаги уйлар бир-бирига ўхшайди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. У [Ғуломжон] *шу ҳолатда ҳайкалга ўхшар, чиндан ҳам ҳайкал каби қотиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Бирор хусусияти бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган кимса ва нарсаларни таққослашда ишлатилади. Кўнглингизга келмасин-у, аталага ўхшайсиз, азизим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қариндошимиз ўлеундай пишиқ одамларга ўхшайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ж. к. ф-даги сифатдошлар ёки «бор», «йўқ» сўзлари билан бирикиб келиб, бирор иш-ҳаракат, ҳолат ва ш. к. ҳақида тахмин билдиреди. *Бугун ёмғир ёғадиганга ўхшайди. У курортдан қайтганга ўхшайди. Маса-*

*лага тушунмаганга ўхшайсиз. Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман.* — *Яна бир кўргиллик қисматингда борга ўхшайди.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Афтидан, кампирим қазо қилганга ўхшайди.* Ойбек, Куёш қораймас.

3 с. т. Кўнгилдагидек бўлмоқ, ўринламоқ. *Иш унча ўхшамасди. Ош жуда ўхшабди.*

**ЎХШАТИЛМОҚ** ўхшатмоқ фл. мажҳ. н.

**ЎХШАТИШ** 1 ўхшатмоқ фл. иш оти.

2 Нарса ёки ходисани маълум умумийликка эга бўлган бошқа нарса ёки ходиса билан таққослаш орқали ифодалаш, тасвирлаш.

◆ **Ўхшатиш эргаш гап грам.** бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини бирор предметга ўхшатиш йўли билан билдирган эргаш гап.

**ЎХШАТМА** ай. *Ўхшатиш 2. Бизнинг бу ўхшатмамиз ҳам унча тузук эмас.* Айний, Эсдалиқлар.

**ЎХШАТМОҚ** 1 ўхшатмоқ 1, 3 фл. орт. н. *Москваки ўхшатса бўлур Осмондаги порлоқ куёмга.* Э. Раҳим. «*Вой шайтонлар, роса ўхшатибди қизга!*» — деди-да [Йўлчи], *жисмеина томошага берилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор кимса ёки нарсани бошқа кимса, нарсага ўхшаш деб ёки ўшанинг ўзи деб билмоқ; тенглаштирмоқ. *Кечирасиз, мен сизни бир танишимга ўхшатибман. Ўхшатмай учратмас.* Мақол. — *У бетлари юмдаланган, оптоқ сочлари юлганан бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Дўндирмоқ, қойил қилмоқ. *Ошни ўхшатибсан.* — *Тўғрига кетган расталар, деворларда гулдасталар, жуда ўхшатибди усталар.* «*Равшан*». | *Бутун куч билан, зарб билан. У шошиб-пишиб Азим бойваччини кўрқадан итариб эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сардор қамчининг ўрмидан ушлаб, .. бор кучи билан Нуралининг бошига ўхшатиб урди.* — «*Зулфизар билан Авазхон*».

**ЎХШАШ** 1 Бирор кимса ёки нарсани эслатадиган, ўшанга ўхшаб кетадиган. *Бойвачча қишуртканинг товушига ўхшаш ингичка хуррак торта бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Элмуроднинг кўнглида, энди чолга нисбатан бўлган ҳалиги нафрат ўтиб, унинг ўрнига аянчага ўхшаш бир сези пайдо бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шунга ўхшаш шу тарздаги, шу хилдаги. Отам ёлғиз қўл, унга ип тайёрлаб бер, маҳсига иона қоқиш, пардоз бериш, шунга ўхшаш ишларни тез ўрганиб ол.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор хусусияти билан тенг келадиган, баробарлаша оладиган, тенг. *Ўхшаш учбурчак (мат.).* || *Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, шундоқ кўҳликки, бу ўртада унинг ўхшаш*

бўлмас, деб ўйлайман! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УХШАШЛИК** ўхшаш с. белги оти. Боланинг онасига кўпроқ ўхшашлиги аниқ эди. — Тўтиқиз билан Диллиодда чиндан ҳам ўхшашлик, умумий жозоба бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**УХШАШСИЗ** Тенги йўқ даражада, жуда ҳам, ғоят. — Узим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йиғит эмиш! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**УХШОВСИЗ** 1 Чиройли эмас, хунук, бесўнақай, беўхшов. Гулсум, патнисни қитирлатиб, ўхшовсиз ҳарфларни узун ени билан ўчириб, анча овозра бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи. Стол устида бўшатилган ароқ шишаси, стол атрофида ўхшовсиз, пойма-пой юмшоқ креслолар. Н. Сафаров, Хаёт мактаби. || Унинг катта оқ салласи қизил, кўк ўхшовсиз ўралган салласи ачида.. ажралиб турарди. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

2 Ўзига ярашмайдиган, келишмаган. Қари куёв худди жуфти билан энди танишган бўйдоқдай ўхшовсиз қилиқлар қилади. А. Муҳиддин, Қадах.

**ЎЧ** 1 Қасос, қасд. Йўқ, Нусратилла уни ёмон кўради, бу одамларнинг ҳаммасида алами, ўчи бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Холмурод юзини кўтарди ва ялтироқ пешана, серейит қовоқлар тагидан, гўё бир ўчи бордай ғазабли кулги ифодаси билан, хўймайган кўзларни кўрди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги. Кўёш ерда, ариқ қазиётган бояқишларда ўчи бордек, олов тўқмоқда, ҳамма ёқ гўё ўт бўлиб ёнмоқда эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўч олмақ** зиён етказгани, таҳқирлагани ва ш. к. учун жазоламоқ.

**ЎЧ** II Ниҳоятда берилган, хирс қўйган. Ширинликка ўч бола. || Ёшларимизнинг кўпи механизаторлик касбини эгаллашга ўч. — Айниқса, хўжайиннинг катта ўғли Ҳакимбойвачча пахтага жуда ўч одам. Ойбек, Қутлуғ қон. Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**ЎЧ-АДОВАТ** Ўч ва адоват, ўч олиш ва душманлик ҳисси. Ишқилиб бу ера ҳар тоифа одамлар, — шу ернинг катта-кичиги ҳам, бир-бирдан ўч-адовати борлари ҳам, бегона ўткинчилар ҳам кела беради. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎЧАҚИШМОҚ** Бирор кимсанинг ғашига тегиш учун атайлаб унга зид иш тутмоқ. Қизим, отанга бунча ўчақишиб қолдинг? Муддаонг нима? Уйғун, Навбахор. Отам бечора нафаси ичига тушиб минғирлайди, халфани инсофта, муросага қақиради, дам ўчақишиб қаттиқроқ гапирарди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Аччиқ қилмоқ; ўч олишга интилмоқ. Бургага ўчақишиб, кўрпани ўтга ташлама. Ма-

қол. — Агар ораларингга совуқчилик туширадиган бўлса, сен ўчақишиб юрма, яхшиси, қайин отанга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎЧАҚИШТИРМОҚ** ўчақишмоқ фл. орт. н. Чор матмурлари бир халқни иккинчи халққа ўчақиштирар, яхудийларни погром қилдирар эдилар. «КПСС тарихи».

**ЎЧИНҚИРАМОҚ** Сал ўчмоқ, бўзармоқ, оқармоқ (ранг-руй ҳақида). Унинг ранги бир оз ўчнқираб кетди.

**ЎЧИРГИЧ** 1: ўт ўчиргич ёнғинни ўчириш учун қўлланиладиган асбоб. 2 эск. айн. резинка.

**ЎЧИРИЛМОҚ** ўчирмоқ фл. мажҳ. н. Илк кўлама ёдудлари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган, қишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди. П. Қодиров, Уч илди.

**ЎЧИРИШМОҚ** ўчирмоқ фл. бирг. н. Ёнғинни солдатлар ўчиришди. — Фирқалар ячейка мажлисида мени фирқадан ўчиришди. Х. Ғуллом, Машғал.

**ЎЧИРМОҚ** ўчмоқ фл. орт. н. Чирокни ўчирмоқ. Рўйхатдан ўчирмоқ. — Собиржон Султон ўғлини ханузгача кўнглидан ўчириб ташламаган одамлар кўп эди. О. Ёкубов, Ота изидан. Жангчилардан кимдир душман пулемётига граната улоқтириб, унинг овозини ўчирди. Ж. Ташенов, Жангчи Утеген. — Боласи тушкур, — деди кулиб Норбобо, — дуойи салом ёзишга нўноқроқ экан, неча бор ёзиб, неча бор ўчириб ташлади. Ойдин, Фарҳодлар.

**ЎЧИРТИРМОҚ** ўчирмоқ фл. орт. н. — Мени [ота] магазинга олиб кириб, янги пальто олиб бердилар. Кейин детдомга кириб, мени рўйхатдан ўчиртирдилар, — деди Матмуржон. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ЎЧИРУВЧИ** ўчирмоқ фл. ш. оти **Ўт ўчирувчи** 1) ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган. **Ўт ўчирувчи машина**; 2) ўт ўчириш билан шуғулланувчи муассасанинг ходими. **Ўт ўчирувчи бўлиб** ишламоқ.

**ЎЧИК** 1 Ўчган, ўчирилган. **Чирок** ўчиқ.

2 Қизиллиги йўқолган; бўзарган (ранг-тус ҳақида). Юзлари пачақланган, ҳамма ёғи мотаталоқ, сочлари тўзғиган, ранги ўчиқ Жўраҳон ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хайдар совуқ, ўчиқ юзини терс бурган подшоҳга таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқди. Ойбек, Навоий.

**ЎЧЛИК** ўч с. белги оти. Пулга ўчлик. — Бири вилоятнинг тинчлигин йўлар, Урушининг қонларга ўчлигин йўлар. Шайхзода.

**ЎЧМОҚ** 1 Ёнишдан, ёлқин беришдан тўхтамоқ; сўнмоқ. **Ўтни** кавласанг ўчади, қўшинини кавласанг кўчади. Мақол. — Шу чоқда на учундир тоқчада ёниб турган шам ҳам лип-лип қилди-да, ўчди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Самандаров бир қоши

паст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган маҳорқасини чироқдан тутатиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчнор.

2 Хиралашмоқ, ўнгмоқ. **Читнинг** ранги ўчибди. Қадимий минора нақшларининг бўёғи ҳамон ўчмаган. | Ишқаланиб, эскириб, ўқиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. **Хат ўчибди**. Танганинг муҳри ўчиб кетибди. Қўлёзма сиёҳи ўча бошлабди. **Ранги ўчди** қўрқиб, ғазаб, касаллик ва ш. к. туфайли юз қизиллиги йўқолди, бўзарди, оқарди. **Гофур тобора асабийлашар** эди, бунинг оқибатида кўзлари хираланиш, лаблари пирпирар, ранглари ўчиб, қўллари титтарди. Ш. Рашидов, Бўрндан кушли.

3 Кўздан ғойиб бўлмоқ, кўрнмай қолмоқ, йўқолмоқ. Гуллар, яшилликлар орасида унинг адил — келишган қомаги, шаффоф бир хаёл каби гоҳ ялт этиб кўринар, гоҳ ўчар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Водийни ярим доира шаклида ўраган баланд-паст тоғлар аста ўча бошлаган. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 **Кўча** Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ. Юзидан сира аримайдиган мулойим жилмайиш ҳам ўчиб кетибди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўёшга терс**, бурчакка тикилган бу уйчадан ҳали қиш нафаси ўчмаган. Ойбек, Қутлуғ қон. Энди Дусяннинг ҳам уйқуси ўчиб кетди, мовий кўзларини чироқдай очиб Саодатга қараб ётди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. **Оқ подионинг тахти куйсин, қораси ўчсин!** Ойбек, Қутлуғ қон. [Таннозхон:] «Дийдоринг ўчсин сенинг!» З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 Тўхтамоқ, тинмоқ; эшитилмай қолмоқ. **Ҳозиргина** сўзлашиб ўтирган Қумуш билан онасининг товушлари ўчан эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Саидғозининг момақадироқ қандирашидек асабий кулгиси қандай бошланган бўлса, ўшандай тўсатдан ўчди**. С. Анорбоев, Оқсой. **Извои кўнғироғи, от туёқларининг овозлари бора-бора ўчади**. Н. Сафаров, Уйғониш. **Товушинг (ёки овозинг) ўчкур!** қ. **товуш** 1.

6 **Кўча** Хотирадан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. **Номи ўчиб кетган** Боқи мирзо кўп вақт ўтмай «инобатлик мирзо» номи билан бош кўтарди. А. Қаҳҳор, Мирзо. **Шоир сўзи мрамор тошга ўйилган**, — **Ўйма хатдек турар, дунёда ўчмас**. Қ. Муҳаммадий. **Ленин кишиларнинг кўнглидан ўчмайди**. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 с. т. Сафдан ёки хисобдан чиқмоқ. **Ёзувчилар союзи аъзолигидан ўчган киши**. Рўйхатдан ўчанлар.

**ЎЧОҚ** 1 Одатда уч томони ёпиқ бўлиб, ичига ўт ёқиладиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатиладиган қурилма. **Лой ўчоқ**. **Ер ўчоқ**. **Темир ўчоқ**. — Бригада булоққа яқинроқ жойдан ўчоқ кавлаб, қозонни ўрнатди. С. Анорбоев, Оқсой. **Кун чиқар томонда катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди**. «Эртақлар».



**Химмат** .. ўчоқда ловуллаб ёнаётган ўтга косоғни тутиб... папиросини тутатиб олди. М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. **Ўчоқ боши** ўчоқ қурилган жой ёки хона. **Синдирилди тез зогора нон**, **Севган қизи**, **кўз нури Ойхон** — **Қушдай учди ўчоқ бошида**. Х. Пулат. **Ўчоққа уйнамоқ** овқат тайёрлашга киришмоқ. **Бобоқул дарров ўчоққа унади**. С. Анорбоев, Оқсой.

**2 кўла** Бирор нарса пайдо бўладиган, амалга ошадиган, тарқаладиган жой; манба, марказ. **Билми ўчоғи**. **Маврифат ўчоғи**. **Инқилоб ўчоғи**. — [Элмурод] **агар ўзи бу ердан кетганда ҳам, дастлабки маданият ўчоғининг абадий қолишини ўйлаб, ўзи-ўзи гуруранди**, П. Турсуни, Уқитувчи. **Гувоҳнома қалбаки**, энди ана шу қалбакилик ўчоғини топиш лозим. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Қумқилиш** деҳқонларини қабилдан қийнаб келган ботқоқларни, .. иситма-безгак ўчоқларини қуритиш учун бир неча чақирим узунликда зовур қазиб керак. Х. Гулом, Машъал.

**УША** кўрс. олми Ўзоқдаги кимса, нарсани, урин, пайғини кўрсатиш ёки айтиб ўтилган, аввалдан маълум бўлган бирор ҳодисани эслатиш учун хизмат қилади. **Уша йил**. **Уша кундан бошлаб**. **Уша одам ёдингиздами?** **Уша жойда учрашамиз**. — **Бу шоду хуррамликни тугдирган яна ўша сув эди**. М. Исмоилий, Фаргона т. о. **Биз ўша ерга бориб туришимиз керак**. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Яқинроқ борсак, яна ўша эртадабки ёш эр-хотинлар**. Х. Қодирий, Йўлда. **Уша жилава ва ўша оташ**, **Уша кўзги**, **сузгин**, **хаёлқаш**, **Уша имо**, **ўша шора** **Эта бошлар юракни пора**. Х. Олимжон. || **Бирорта ихлосманд қўлдан бошлаб томоқ еган бўлса керак**, **ҳозир ўшанинг чанқовини босмоқ фикрида эди**. А. Қодирий, Утган кунлар. **Бу замонда кимнинг чақаси кўп бўлса одамлар ўшанга оғади**, **Ойбек**, **Қултур қон**.

**УШАЛ** эск. айн. **ўша**. **Севганимдан айрилсам**, **Улганим ўйал кундир**. «Қўшиқлар».

**УШАНАҚА** айн. **ўшандай**. **Ушанақа ишлардан биттаси тилла қурти**. А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

**УШАНАҚАНГИ** с. т. Ушанақа. **Онахон оқпошонинг тахтдан туширилганини**, **аллакимлар тахтга бошқа бир ўшанақанги пошонини ўтказишмоқчи бўлиб уринганини Собиржондан эшитди**. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**УШАНАҚАСИ** Уша йўл билан, ўша томондан; бир йўла.

**УШАНДАЙ** Айтиб ўтилган кимса ёки нарсага ўхшаган, ўшанга ўхшаш. **Сен ҳам — ўшандай кишилардан бири**. **Ушандай қилиқ сенга ярашмайди**. — **Ушандай дағал**, **қалин**, **узун**, **чўндай ингичка суяк бармоқлари билан эшик ҳалқасини ўшлаб**, .. **олдинга юрди**. **Ойбек**, **Қултур қон**. **Ушандай тепки ҳали эс-ҳушини ўнглаб оломдани Ҳамроқулнинг ҳам кўзгага тушди**.

А. Қаҳҳор, Томошабор. **Ўшандай шимлиш билан варақлади**. А. Қаҳҳор, Сароб.

**УШАНДАЙИН** с. т. **Ўшандай**. **УШАНДАЙИЧА** с. т. **Ўшандайлигича**.

**УШАНДАЙЛИГИЧА** рөви Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ўшандай ҳолатда. **Бу минора юз йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандайлигича сақланибди**.

**УШАНДАҚА** с. т. Ушанақа. **УШАНДАҚАСИ** рөви, с. т. Ушанақа. **Хар ҳолда борибди маслаҳат**. **Соғайса келар**, **ўлса ўшандақаси кетаверар**. А. Қаҳҳор, Сароб.

**УШАНДОҚ** с. т. **Ўшандай**. **УШАНЧА** рөви 1 **Айтиб ўтилган миқдорда**; **ўша даражада**; **шунча**. **Қанча кўп ишласанг, ўшанча кўп ҳақ олсан**.

**2 Айтиб ўтилган киши ёки нарсага ўхшаш ёки тенг**. **У бола 50 кило пахта терди**, **сен ўшанча ҳам бўлмадинг**.

**УШАНЧАЛИК** рөви Айтиб ўтилган даражада. **Водоканалардан бирини тиклашда**, **тайёр сувга ариқ чиқаришда ўшанчалик ноаҳил бўлган катсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди**. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**УША-УША** рөви 1 **Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай**, **ўзгармаган**, **ўша ҳолатда**, **ўшандайлигича**. **У анча кексайиб қолибди**, **аммо феъл-атвори ўша-ўша**. — **Уйда тирикчилик ўша-ўшаю**, **лекин вофурушлар димдан қутилганига Собиржон минг марта рози эди**. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**2 Уша воқеадан буён**; **шу-шу**. **У уч йил аввал аразлаб кетган эди**, **ўша-ўша келмайди**.

**УШАЙМОҚ** 1 **Қовоғи солиниб, хўмрайиб турмоқ**. **Тараққийпарварлар**, **аксари заҳарханда қилиб**, **баъзи бири ўшайиб ерга қараб ўтирдилар**. **Ойбек**, **Нур қидириб**. «**Ҳали шунақа тилларинг борми сенинг**» деганди она қизига ўшайди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. **Нима қилишини билмай**, **боши қотиб турган Холжон холанинг олдига келган калтабақай бир фаришта ўшайиб сўради**. **Ғайратий**, **Довдираш**.

**2 Тушунолмасдан ҳайрон бўлмоқ**, **анграймоқ**, **бақраймоқ**. [Мехмон] **ҳамма нарсага ўшайиб қарар**, **қаёққа ва нима учун кетаётганини**, **нима қилиб юрганини ўзи ҳам билмас** .. эди. А. Қаҳҳор, Думли одамлар. **Поезд қаерда тўхтамасин**, **у Элмурод қаршисига келар**, **ҳалигина пари юлинган уккидек ўшайиб қарар эди**. **Шухрат**, **Шинелли йиллар**.

**УШҚИРМОҚ** Дўқ, пўписа қилмоқ, жаҳл билан қаттиқ гапирмоқ, ғазаб билан бақирмоқ. **Муса кўса Бўтага қараб турган хотинига ўшқирди**. С. Ахмад, Ҳукм. **Бегимхон икки чаккасидаги гажагини силкитиб**, **муштарини белига тираб турган эди**, **Адолат ўшқириб берди**. **И. Раҳим**, **Чин муҳаб**

**бат**. — **Ҳой, сен**, — **қўлини шоп қилиб Майнага ўшқирди** [Ойша хола]. — **Менинг бошимга аслзода эрни ўлдириб келдинми?** Ш. Тошматов, Эрк қуши. **ЎЮВЧИ** 1 **ўймоқ** фл. ш. оти. **Ер ўювчи**.

**2 махс.** **Химик реакцияга киришиб**, **тана тўқимасини бузадиган**, **емирадиган**. **Ўювчи кислота**. — **Агар бундай чангини составига ўювчи ёки заҳарли моддалар кирса**, **у вақтда бу чанг жуда зарарли бўлади**. «Физиология».

**ЎҚ** 1 1 **Ейга қўйиб отиладиган**, **учи найза узун**, **ингичка таёқча**; **тир**. **Садқодаги ўқ**, **Айтилган сўз — отилган ўқ**. **Мақол**. — **У [Сидиқжон] Хошимжонга камон**, **қамшидан бир талай ўқ ясаб берди**. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2 Милтиқ**, **тўппонча**, **пулемёт каби қурулларга жойлаб отиладиган** кичкина снаряд; **патрон**. **Қолган везод ва отделениелар отиш чизигидан нарида**, **ёлғондакам ўқ билан пулемётда машқ қилиб турдилар**. **Шухрат**, **Шинелли йиллар**. **Шу тобора часовий ҳам икки-уч топқир милтиқдан ўқ бўйшапти**. **М. Муҳамедов**, **Машқ**. | **Шундай снаряднинг отиш қуроли озидан чиқиб учадиган**, **нишонга тегадиган қисми**; **питра**. **Товуқ катаги устидаги толга чиқмоқчи бўлаётган босмачиларнинг иккитаси томдан устма-уст отилган ўқлардан йиқилди**. **Айний**, **Куллар**. **Бир ўқ билан икки қуён уриш деб мана бунни айтадилар!** С. Анорбоев, Оқсой. | **Қўллаб отилиб**, **ёғилиб турган ўқ**; **ўт**. **Бир соат чамаси отишгандан сўнг ёв бизнинг ўқимизга қидолмай**, **икки дарвоза орасида уч-тўрт юз ўлик қолдириб кетишга мажбур бўлди**. А. Қодирий, Утган кунлар. **Биз орқадан хужум қиламиз**, **сиз олдиндан қоронғи кечада икки ўқ орасида қолган босмачилар телбаланиб қошидан бошқа чора тополмаслар**. **Айний**, **Куллар**. **Игитларни элтиб**, **тўппа-тўғри ўқ тагига ҳайдайдилар**. **Ойбек**, **Қултур қон**. | **Тўп ўқи**, **снаряд**. **Танкага отиладиган ўқ**. **Портлаб парчаланган ўқ**. **Ўқлар портлади**. — **Шунча замбарак бир кунда қанча ўқ чиқаради деб ўйлайсан?** **Шунча ўқни ким етказиб бериб туради?** А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Фронт орқасида ўр қазиб турганда Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб**, **қаттиқ товуш чиқариб ёрилди**. А. Қодирий, Обид кетмон. **Ўқ ёғдирмоқ** қаттиқ ўққа тутмоқ.

**ЎҚ** II 1 **Икки учига гилдирак ўрнатиладиган ёғоч ёки металлдан ясалган** вўла. **Автомобилининг ўқи**. **Трамвайнинг ўқи**. **Олдинчи гилдираклар ўқи**. **Ўқ ясамоқ**. — **Ефим Данилович араванинг ўқига оёқ қўйиб чаққонгина чиқиб олди**. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | **Дастгоҳ**, **машина** ва ш. к.нинг айланиб турадиган ўқсимон узун қисми. **Чигириқ ўқи**. **Паррак ўқи**.

**2 Бирор жисм ёки фазонинг марказидан ўтади деб фараз қилинадиган тўғри чизиқ**. **Айланиш ўқи**. **Симметрия**



ўқи. Ер ўз ўқи атрофида айланди. ■ Шаҳар тўғри тўрт бурчакли кўринишида бўлиб, планнинг бош ўқи шаҳарнинг шимолидан жанубга қараб адил ўтказилган. Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

3 махс. Тўғри йўналган, асосий; тик. *Уқ ариқ. Уқ илди. Уқ поя.*

**УҚАЛОҚ** Вўқа қурти (асосан, сут-эмизувчи ҳайвонлар танасида бўлади).

**УҚАЛОҚЛАМОҚ** Тепинмоқ, ирғишламоқ, безовталанмоқ (бу ҳодиса молларда: бўқа қурти терини тешиб чиқаётганда юз беради). *От ўқалоқлади. Сигир ўқалоқлади.*

**УҚДАЙ**, -дек 1 Уқ сингари, ўқ каби, тез. *Сипарангиз ва унинг сафдоилари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмаристининг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди. М. Осим, Тўмарис*

2 Тўғри, тик, адил. *Уқдай ёғоч.*

**УҚДОН** 1 айн. садақ.

2 Уқ, патрон солиб, кўпинча белга осиб юриладиган чарм қутича; патронташ. Уқ [Мадамин] қора тўни устидан елкасига қадимги ўқдонларини осган. П. Турсун, Уқитувчи. **Уқдон-камар** сиртга ўқлар жойлаштириш учун мосланган қайиш лентга. Белига ҳам, елкасидан ошириб кўкраккага ҳам кенг ўқдон-камар тақиб олган қора мўйловли, новча бир одам она-болани .. ичкарига етаклади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 махс. Ствол коробкасининг ўқ жойланадиган қисми. Милтиқнинг ўқдони.

**УҚ-ДОРИ** Снаряд, патрон, мина, граната каби портловчи молдалар, жанг буюмлари мажмуи. [Али тажаанг:] *Уқ-дорининг бари фашист энкарида экан, гумбурлатгани-гумбурлатгани.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Уқ-дори* юклаган арбааларнинг кўплари ўрмон балчиқларида қалиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чунки, у, босмачи билан тил бириктириб, бизнинг ўқ-дориларимиздан етказиб, хаттоки турар жойларимизгача айтиб берар экан. М. Мухамедов, Машқ.*

**УҚ-ЕЙ** 1 Ей ва ўқ (отиш қуроли). Пошио Қимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўн ёнидан жой, чинакам қилич, чинакам от ва чинакам ўқ-ёй ҳаёя қилди. С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан. **2** диал. Камалак. *Емғирдан сўнге осмонда ўқ-ёй кўринди.*

**УҚИГАН** 1 ўқимоқ фл. сўтди. Бундаги фарқи Юсуф-Зулайхо қиссаларини ўқиған киши билади. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Саводли; маълумотли. *Уқиган қиз.* ■ *Уқиган бўлса ҳам уқимаган ииетга ўхшайди, йўқса Насибанинғ ўқшини ора йўлда қолдириб, мактабидан юлиб олмоқчи бўлмаг* эди. А. Қаххор, Оғрик тишлар.

**УҚИЛМОҚ** ўқимоқ 1, 3—6 фл. мажж. н. *Хайт ўқилди. Қарор ўқилди.*

■ *Намоз шу ерда, меҳмонхонада ўқилди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**УҚИМИШЛИ** Оқ-қорани таниган, саводли, маълумотли. *Булар-ку майли, ўқимишли, анча тажрибали кишилар.* Шўхрат, Шинелли йиллар. *Бектемир бу ўқимишли, содда, очиқ-ойдин қомандир элатни севиб қолди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Унга хат-савод ўргатишга, жамоанинғ ҳисоб-китоб ишларини олиб боришга сиздай ўқимишли кишилар керак.* Х. Ғулום, Маиштал.

**УҚИМОҚ** 1 Ёзилган нарсани ёки текстни ундаги белгилар, ҳарфлар воситасида айнан айтиб бермоқ ёки билиб олмақ. *Мақолани ўқимоқ. Қадимий ёзуғни ўқимоқ. Товуш чиқариб ўқимоқ. Уқиб эшиттирмоқ.* ■ *Геннадий Наташанинғ кўлидан ерга тушган хатни олди-да, розилик сўраб ўтирмай; чироққа тўтиб ўқий бошлади.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ҳақимбойвачча диққат билан ача ўқир экан, юзига табассум ёйилди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

2 Уқини-ёзини ўрганмоқ; билим олмақ. *Утил, қизимиз ўйнар парпират, Қайдан билсинлар ўқимоқ керак.* Ҳамза. *Кексалар иззатда, Ёш-яланлар ўқайди.* Ё. Мирза. *Ёшлар илм олсин, ўқисин. Бу яхши гап, бу жуда яхши.* Э. Раҳим. | *Бирор соҳадаги билим ва малакаларни эгалламоқ, ўзлаштирмоқ. Докторликка ўқимоқ. Инженерликка ўқимоқ.* | *Бирор ўқув юртида таълим олмақ, тахсил кўрмоқ. Акам институтда ўқийди. Мен техникумда ўқийман. Укам саккизинчи синфда ўқийди. ■ Аъло ўқисам ҳам ўқитувчимиз «яхши» қўйди, «аълодан «яхши» яхши дейди.* А. Қаххор, Айб кимда.

3 Бирор текстни ёддан айтмоқ, ёддан айтиб тингловчиларга эшиттирмоқ. *Леқция ўқимоқ.* ■ *Чойхонада узун бўйли, узун куюлхли қаландар кўзларини юлиб, қалин, янғроқ овозини баланд қўйиб, Маишрабдан ғазаллар ўқийди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Уткинчи бир муофир .. ўқирди янги достон.* Ғайратий. *Асқар ота бориб соғонанинғ обди томонига чўкка тушиди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди.* А. Қаххор, Хотияллар.

4 Турли дуолар, оятлар ўқиб, бирор диний маросимни ўтамоқ. *Жаноза ўқимоқ. Намоз ўқимоқ. Ниқоҳ ўқимоқ. Фотиҳа ўқимоқ.* ■ — *Мен ажойиб туш кўрдим деб айтмабмидим,— деди ва пичирлаб алла нималар ўқиди.* Ғ. Расул, Адолат. | *эти. Гўё касални даволаш учун унинг ҳузурда турли оят ва дуоларни зикр этмоқ. Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Вяхши ўқиди. Аллахандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуш сўйиб қонлади.* А. Қаххор, Бемор.

5 Изҳор қилмоқ, зикр этмоқ, айтмоқ, демоқ. *Нафрат ўқимоқ. Маҳфия ўқимоқ. Ҳамду сано ўқимоқ.* ■ *Шу турмушда, шу замонда туғилган*

учун «аттанг» ўқийдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

6 Ташқи қиёфасига ёки бирор белгисига қараб, кимсанинғ фикрини, кечинма, ҳолат ва ш.к.ни сезмоқ, билмоқ, топмоқ. *Анвар ўзини табрик қилувчи уламо ва аишофлар юзидан очиқ равишда риғ, шайтонат ва тама ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Уткинчи аёлларнинг кўзларида ҳам Полвон миннатдорлик ифодасини ўқирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Буни Саидий — унинг сўзидаги оҳанг ва кўзидан ўқиди.* А. Қаххор, Сароб. | *Бирор маъно уқмоқ, тасаввур этмоқ; англамоқ. Табиат ўз тилида роз айтиб ишвиллар экан, йигит бундан ўз қувончининг маҳзини ўқирди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. *Ҳар янроқ бетида ўқиди маъно, Таъсирчал билимлар қудрати каби.* Ғайратий.

7 с. т. Тушунишга, ишонинга мажбур қилмоқ, қуловига қўймоқ. *У сени роса ўқиганга ўхшайди.* ■ *Биз ҳам анойи эмасмиз, ахир. Мухбирни ўртага олиб роса ўқиймиз.* «Мушгум», 1959, № 8.

**УҚИТИЛМОҚ** ўқитмоқ фл. мажж. н. *Фабрикага шогирд қизлар кўп келади. Улар қоидага мувофиқ уч ой ўқитилиб, иш ўргатилар, шундан кейингина муस्ताқил ишга кўчириллар эди.* С. Абдуқаххор, Ушалган орзу.

**УҚИТИШ** ўқитмоқ фл. иш оти. *Янги усулда ўқитиш.* ■ *Бунинг учун болаларга ҳар хил адабиётлардан ўқитиш керак.* А. Қаххор, Ўжар.

**УҚИТМОҚ** ўқимоқ 1—5, 7 фл. орт. н. *Чиқиб, почтаълон бериб кетган мактубни қўшинининг ўғли Азимхонга ўқитди.* Х. Шамс, Оқ падар. *Сиз бир неча кишини ёрдам учун юборсангиз, улар ўз қўшинларини ўқитиб ўргатадилар, қандай қилиб қуриш зарурлигини амалда кўрсатиб қайтадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Отабекка] *бу савол верилиб, Ҳомид билан бояи учрашинини унга хотирлатган ва энди ҳам қилиб қарамаган бахтига лаънат ўқитган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Сотиболди касални ўқитди — бўлмади.* А. Қаххор, Бемор.

**УҚИТТИРМОҚ** ўқитмоқ фл. орт. н. *Тагин мен у кишини бошқа шаҳарга юбориб ўқиттирармишман ..* Х. Зиёхонова, Унутилмас хатолар. [Марияни] *маҳалла имоми ҳузурда «калли-майи шаҳодат»ни айттириб, ниқоҳ ўқиттириб олган эди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**УҚИТУВЧИ** 1 ўқитмоқ фл. иш оти. *Қадимий ёзувларни ўқитувчи киши.*

2 Мактабда фан асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган киши; муаллим. *Адабиёт ўқитувчиси.*

**УҚИТУВЧИЛИК** ўқитувчи с. касб оти. *Уқитувчилик қилмоқ.*

**УҚИШ** 1 ўқимоқ фл. иш оти. *Қудратнинг дабаси болаларнинг ўқиши*

туғашини кутди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қуръон ўқишга ҳеч қимда мажол йўқ эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳамкасасабасига таҳсин ўқишдан ўзини сақлаб қололмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Синфда.. ўқиш китобларининг йўқлиги Ғуломжонни ёмон дилхун қилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. дарс 1. Анварнинг ўқишдан бўшаган кезлари гуллар ичида ва шу капалаклар орасида кечар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Ўқув ва ўқитув ишлари жараёни. Ўқиш биринчи сентябрда бошланади. — Мактабларда ўқишнинг она тилида олиб борилиши.. илм олиш ҳуқуқини таъминлайди. «ЎзССР Конституцияси». Ҳар кун матбуот соатларда ўқиш бўлади, турли машғулот ўтказилади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЎҚИШ-ЁЗИШ** Ўқиш ва ёзиш; савод. [Ғуломжонни] катта ёшдагиларга хос усул билан ўқитиб, икки-уч ой ичида русча ўқиш-ёзишга ўргатиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎҚИШМОҚ** ўқимоқ фл. бирг. н. Сарвариддин билан бирга яна бир неча бой болалари хусусий равишда ўқишар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Қоқ ярим кечада Йўлчини тобутга солиб ҳовлида уч киши — Шоқир ота, Қоратой, Ҳроз — жаноза ўқишди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЎҚИШ-ЎРГАНИШ** Ўқиш ва ўрганиш, билим ва ҳунар эгаллаш, савод чиқариш. Ленин партияси эзилган халқларга озодлик берди, ўқиш-ўрганишга кенг имконият яратиб берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎҚЛАМОҚ** ўқдонга ўқ жойламоқ, отиш учун хозирламоқ. Милтиқни ўқламоқ. Тўппончани ўқламоқ.

**ЎҚЛАНМОҚ** ўқламоқ фл. мажх. н. Милтиқлар ўқланди.

**ЎҚЛАТМОҚ** ўқламоқ фл. орт. н.

**ЎҚЛАШМОҚ** ўқламоқ фл. бирг. н. Жангичлар милтиқларни ўқлашди.

**ЎҚЛИ** I Ўқи бор; ўқ жойланадиган; ўқланган. Ўқли милтиқ. Етти ўқли тўппонча.

**ЎҚЛИ** II Ўққа ўрнатилган; ўқи бўлган. Тўрт ўқли вагон.

**ЎҚЛОВ** I ўқламоқ фл. иш оти.

**ЎҚЛОВ** II диал. Ўқлоғи.— Ойим қўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ЎҚЛОҚ** айн. ўқлоғи.

**ЎҚЛОҒИ** Ош хамир ёйиш учун ишлатиладиган узун силлиқ таёқча. Мен бу боққа фақат бир кинначи сифатида кирган эдимки, бузоқ йўқотган эгачим ўқлоғи кўтариб қаршилади. Жулқунбой, Ўжар кўр.

**ЎҚРА** айн. ўқалоқ.— [Сигирнинг] ўқраси ҳам бор экан,— деди сўтчи бобо. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ЎҚРАЙИШМОҚ** ўқраймоқ фл. бирг. н. Улар ўқтин-ўқтин қичқирешар,

сўқинишар, ўртадаги хўрозлар сингари бир-бирларига кекирдак чўзиб ўқрайишиб қўйишарди. Муштум, 1961, № 8.

**ЎҚРАЙМОҚ** Жаҳл ёки ғазаб билан қарамоқ, чақчаймоқ; хўмрайиб қарамоқ. Низомжон шердек бўкириб ўрнидан туриб кетди. У қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб опасига ўқрайиб қарар эди. С. Аҳмад, Хукм. [Фозилжон] хотинига ўқрайиб бир қаради-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ичкари уйга кириб кетди. С. Зуннунова, Узилган ип. **Кўзлари ўқрайди** 1) хўмрайиб қаради; 2) озиб кўзлари ич-ичига тушиб кетди. Беш ой ичида унинг қизил юзи сўлишиб, кўзлари ўқрайиб қолган эди. М. Осим, Элчилар.

**ЎҚРАЙТИРМОҚ** ўқраймоқ фл. орт. н.

**ЎҚРАЙТМОҚ** ўқраймоқ фл. орт. н. **ЎҚСОЧАР** с. т. эск. айн. пулемёт.

Лағнати, ўқсочари билан баримизни тутдай тўйиб ташлайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎҚТАЛИШМОҚ** ўқталмоқ фл. бирг. н. Улар [солдатлар] дарров маҳбусларни тўхтатиб, милтиқларини хотинларга ўқталишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЎҚТАЛМОҚ** Бирор нарса билан урмоқчи бўлиб таҳдид қилмоқ. Пичоқ ўқталмоқ. Қалтак ўқталмоқ. Найза ўқталмоқ. — Мингбоши бир қадам олдинга юрди, қўлидаги қамчини ўқталиб, хунук овоз билан ўқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Халфа ўрнидан иргиб туриб, менга мушт ўқталди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бировга қурол озгини тўғрилаб отишга шайланмоқ. Полвон қўрбошига орқасини ўғириб, йиғитларга — милтиқ ўқталиб турганларга қаради. А. Қаҳҳор, Қўр кўзнинг очилиши.

**ЎҚТАМОҚ** Бирор томонга йўналтирмоқ, қадамоқ, ниқтамоқ. Афанди эса, бунинг аксини қилди ва бармоқларини ерга ўқтади. «Латифалар».

**ЎҚТИН-ЎҚТИН** реш Бир мунча вақт оралатиб; баъзан-баъзан, гоҳо-гоҳо; тез-тез, такрор-такрор. Зиёбек ўқтин-ўқтин орқага қарайди. Н. Фозилов, Оқим. [Шоҳистанинг] йўнаб турган шаҳло кўзлари ўқтин-ўқтин бир нуқтага тикилар, .. аммо бунчалик қайғуга ботмасди. М. Алиев, Қалб сўзларни ёзилган мактуб.

**ЎҚУВ** I ўқимоқ фл. иш оти.

2 Ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган, ўқиш ва ўқитишга тааллуқли. Ўқув соати. Ўқув плани. — Илк кўлама ёдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган. П. Қодиров, Уч илдиэ. Қуз келиб янги ўқув йили бошланди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўқув юрти** қ. юрт 2.

**ЎҚУВЧИ** I ўқимоқ I фл. сўтди. Қитоб ўқувчи бола. || Биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқувчини таништирамиз. А. Қодирий, Утган кунлар. Бошим кўкка етар, ўқувчим, Манзур кўрса армуғонимни. Э. Раҳим.

2 Бирор ўқув юртида таълим олаётган киши. Етти йиллик мактаб ўқувчилари. || Ўқувчи қиз. — Мактабнинг очилганига икки ҳафта бўлмай, ўқувчиларнинг сони ўттиздан ошиб кетди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Ёш-ёш қизлар, ўқувчи болалар сафдаги йиғитларга гулдасталар узатмоқдалар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Вақтли матбуот ёки адабиётнинг маълум бир турини мунтазам ўқиб турадиган киши. «Муштум» ўқувчилари. — Газета ўз хатосини очиб айтиб ўқувчиларидан узор сўраса, обрўйи тушар эмишми? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЎҚУВЧИЛИК** ўқувчи с. мажх. от. Ўқувчилик даври. — [Суратни] ўқувчилик вақтимда олбирганман. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ЎҚЧИ** I тар. Ёй ўқи тайёрлаш билан шуғулланувчи ҳунарманд, касиб.

2 Пиёда кўшинларнинг милтиқ, пулемёт, автомат билан қуролланган жангчиси, солдати. Ўқчилар ротаси. — Ўнг қанотда турган автоматчилар, ўқчилар бирдан кўтарилиб олдинга ташландилар. А. Убайдуллаев, Қонли издан. || Юрьев батальони, «алоҳида ўқчи батальон» номи билан армия резервида эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЎҚЧИМОҚ** айн. ўхчимок.

**ЎҒИЗ** Ўзбек халқининг генетик составига кирган қабилалардан бирининг номи.

**ЎҒИЛ** (3-ш. бирл. ўғли) I Эр жинсидаги бола. Бола ўғилми, қизми? — Бу қиздан бир бало чиқади. Унта ўғилнинг ўрнини босади. С. Аҳмад, Уфқ. Ўғил тўйи ўғил болани суннат қилиш маросими. Тўлмат ўғил тўйи қилганда у ҳам бел боғлаб, хизматини аямаган. С. Анорбоев, Оқсой. **Ўғил бола** 1) айн. ўғил I. Ҳовли эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар қувуллашиб чиқишди. Ойбек, Кутлуғ қон; 2) кўчма с. т. саҳий, танги, мард, олжананбо киши. Тўрабой ака, гапимизни ерда қолдирмай келибсиз, бўлди! Ўғил бола экансиз, бошқа гап йўқ! С. Анорбоев, Ғўзаллик излаб.

2 Эр жинсидаги фарзанд (ўз ота-оналарига нисбатан). Ўқиган ўғил — отадан улуг. Мақол. Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор. Мақол. Қомилнинг ўғли ота-онасини Тошкентга кўчириб кетибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 (фақат I-ш. эгаллик қўшимчаси билан) Фарзанди тенги кишига нисбатан муурожаат формаси. Чол бу бергона йиғитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб қайтадан сўради: — Хўш, ўғлим, нима арзинг бор? Ойбек, Кутлуғ қон.

4 Ўғил (хотин-қизлар исми).

◆ Гапнинг ўғил боласи энг маъқул тушган, энг тўғри, ҳаққоний фикр. Гапнинг ўғил боласини айтдингиз, оқсоқол. Мавлон ака сиирнинг сўтини

ичмайдиган одам, бузоқнинг ҳақи бор деб. Х. Ғуллом, Машъал.

**ЎГИЛЛИ** Ўғли бор, ўғли бўлган. Икки ўғилли ота. — Маҳалламда уч ўғиллилар, беш ўғиллилар бор. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎГИЛЛИК** ўғил 1—3 с. маъв. от. Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб йўлчи товушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ўғиллик қилмоқ** 1) ўғилга хос бурчни ўтамоқ; фарзандлик бурчини адо этмоқ; 2) бировга ўғил ўрнида хизмат қилмоқ, ўғил ўрнини босмоқ.

**ЎГИЛСИЗ** Ўғли йўқ, ўғилсиз киши. **ЎГИЛСИЗЛИК** ўғил туғмаганлик ёки кўрмаганлик, ўғли йўқлик. Мадамин фақат ўғилсизликдан нолир, бўлмаса ғам нима, ҳасрат нима билмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎГИЛЧА** ўғил 1—3 с. кичр. ва эркл. Менинг уч яшар ўғилчам бор. А. Қахор, Олтин юлдуз.

**ЎГИЛ-ҚИЗ** 1) Фарзандлар, болалар. [Ўзбек ойлм] ҳатто ўғил-қиз ўстиришини билмагувчи Юсуфбек ҳожидан алақанча қўриқларда юрар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2) Ёш авлод, ёшлар. *Ғизиллашиб ўтишар, Ўғил-қизлар қувнашиб.* И. Муслим. *Баҳодир ўғил-қизлар отланибди сафарга.* Е. Мирза.

**ЎГИР** Донни уриб туйиш, эзиб майдалаш учун ишлатиладиган ичи ўйиқ ғўладан иборат рўзгор буюми; кели. *Ўғир даста.* *Ўғирда буғбой янчмоқ.* — Баҳри ҳовли этагида, ўз ҳужраси олдида ўғир янчаётган эди. Х. Ғуллом, Машъал.

**ЎГИРЛАМОҚ** 1) Бировнинг нарса-сини эгасига билдирмасдан ўзиники қилиб олмоқ, қонунга ҳилоф равишда ўзлаштирмоқ. *Ўғли .. рўзгорни яхшилаб, овқатларни мўл-кўл қила бошлапти.* Отасининг пулини ўғирлаб, харажат қилаверипти-да. Ойбек, Қутлуғ қон.

2) Кимсани бошқаларга билдирмасдан зўрлаб олиб қочмоқ. *Ҳасаналини болалик вақтида Эрондан киши ўғирлаб келувчи бир одам қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тилла барбарига сотиб олган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Ғап ўғирламоқ** бошқаларнинг ганини тинглаб, билиб олмоқ, эслаб қолмоқ. *Ҳо-о, қачондан буён инсоф тарозисининг посангисига қараб тоғи босадиган бўла қолдингиз? Ёқмаса, бу ерда туриб ғап ўғирлаб нима қиласиз?* С. Қароматов, Хижрон. **Жой ўғирламоқ** керакли жойни банд қилмоқ, эгаллаб олмоқ. **Фикр ўғирламоқ** 1) бировнинг мулоҳазасини ўзиники қилиб кўрсатмоқ; 2) бировнинг мулоҳаза юритишига ҳалал бермоқ. *Анаар Раънога ўнглашиб ўтирди: — Фойдаси йўқ, энди фикрни ўғирладинг.— Мен фикр ўғириси эмасман.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЎГИРЛАМОҚ** ўғирламоқ *фл. мажх.*

н. *Отабек Қумушга бағишланган юрак туғунини ечилган ҳолда кўрар, гўё марварид тугилган ҳарир рўймоқ ўғирлангандан сўнг оёқ остларида бўм-бўи ётагандек ва эгаси шу ўғирланган жавоҳиротнинг аламини чекиб тургандек эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЎГИРЛАТМОҚ** ўғирламоқ *фл. орт. н.* **ЎГИРЛАШМОҚ** ўғирламоқ *фл. бирг. н.*

**ЎГИРЛИК** 1) Ўғирлаб қўлга киритилган, жинорий йўл билан ўзлаштирилган. *Ўғирлик мол.* *Ўғирлик ош баданга юкмас.* Мақол. — [Тўраҳон] ўғирлик пулларни бир неча йил маишатга, бузуқчиликка сарфлаган. М. Мухаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

2) айн. **ўғрилиқ**. [Ёрмат:] *Ўғирликдан бошқа ишни — жамики ҳунарни қилиб кўрдим.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Нега айб менда бўлади, хола, мен ўғирлик қилибманми? Одам ўлдирибманми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЎГИРЛИКЧА** айн. ўғринча. У [Салимхон] қачон бўлса ҳам ўғирликча кўришга жазм қилди. А. Қахор, Сароб. *Норматнинг دادаси Соҳиб қорига ёзган хатини чўнтағидан топиб ўғирликча ўқиган ва яна ўз жойига қўйган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЎГИТ** 1) Ҳосилдорликни орттириш учун тупроққа солинадиган моддалар; гўнг. *Минерал ўғит.* *Органик ўғит.* — *Дехқонлар бўрондан сўнг ғўзаларни диққат билан кўздан кеचирдилар-у, дарҳол ўғит солиб культивация қилиб, суғориш лозим деган қарорга келдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Пахта учун ҳаммаси ҳам зарур,.. ўғит ҳам зарур.* Уйғун, Навбахор. **Маҳаллий ўғит** гўнг ва чиқиндилардан иборат ўғит. *Уч коммунист уч участкада туриб олиб, чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплашиб, далага ташиб турдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2) Ачитиб жараёнини тезлаштириш учун хизмат қиладиган нарса; ачитқи (хамиртуруш, жийда ва ш. к.).

3) қўйма Ғайрат, куч. *Юраида ўғити бор йигит.* — *Юраингда Уринбой отанинг ўғити бор-да!* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЎГИТЛАГИЧ** қ. х. Ўғит сочувчи мослама. Экиш вақти келганда эса, тракторга культиватор — ўғитлагич аэреати билан селжани тиркадим. Ш. Ғулломов, Ташаббус.

**ЎГИТЛАМОҚ** Ҳосилдорликни ошириш учун тупроққа ўғит аралаштирмоқ, ўғит солмоқ. *Қарталарни кетма-кет ўғитлаб, культивация қилаверинг, изма-из суғоринг.* Х. Ғуллом, Сенга интиламан.

**ЎГИТЛАНМОҚ** ўғитламоқ *фл. мажх. н.* Ғўзалар ўғитланди.

**ЎГИТЛИ** ўғит солинган. *Ўғитли тупроқ.*

◆ **Юраги ўғитли** ғайратли, серғайрат, шижоатли. [Ёрмат:] *Қирқта жўраси бор, ҳаммаси серзавқ, юраги ўғитли одамлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЎҒЛОН** кт. 1 Эр бола, ўғил; фарзанд. *Ватаним кенг СССР, Ўғлоним, ўс — яйрал — дер.* Қ. Мухаммадий.

2) Ёш ва жасур йигит; кўрқмас, ботир. *Душман чиқса мендай ўғлон йўлига, Аямасдан бошин боғдай чаларман.* «Ёдгор».

3) тар. Отоқли отлар билан келиб, шахснинг шох, султон авлодидан эканлигини билдиради.

**ЎҒРИ** Ўғирловчи, ўғрилик билан кун кечировчи шахс. *Ўғрини қароқчи урди.* Мақол. — *Бир кеча колхознинг кўрасига иккита ўғри тушиб, қоровулнинг оёқ-қўлини боғлаб, оғзига тўпни тиқиб, учта сизир, иккита от, тўртта қўйни ҳайдаб кетди.* А. Қахор, Қўшчнор.

◆ **Ғап ўғриси** суҳбатга аралашмасдан, бошқаларнинг нима дейётганини билиб олишга, эслаб қолишга тиришадиган одам.— *Даюс, ғап ўғриси! — деди Мели полвон.— Чап кўзинг ўнг кўзинга дўст бўлмайди-ю, кўпчиликка эл бўлармидинг?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎҒРИБОШИ** Ўғрилар тўдасининг бошлагчи.— *Асл зоти ўғри, ўғрибоши дегин,— деб илова қилди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЎҒРИВАЧЧА** сўк. Ўғрининг боласи, ўғри авлоди.

**ЎҒРИЛИК** 1) ўғри с. касб оти. *Ўғрилик қилмоқ.* — *Ўғрилик қилган учун қўл кесилдир ва ё дорга осилдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2) Ўғирлаш иши билан шугулланиш. [Ҳайдар:] *Бу ўғриликка эмас, қароқчилик — кундузлай халқнинг кўзи олдида йўлбосарлик.* Айний, Қуллар.

**ЎҒРИНЧА** раш. Ҳеч кимга сездирмасдан, яширинча. *Шербек йўғон, ичи кавак толни паналаб тўхтади.* *Атрофга ўғринча назар ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мурзин эса ҳамон йша тепалик орқасидан ўғринча қараб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Бировга билдирмай, яширинча олиб бориладиган, яширинча қилинадиган. Ўғринча алоқа.* *Ўғринча касб.* — *Унинг [муфтисининг] фикр-ҳаёлида, дилида бир нарса — мистер Хамбер билан Муस्ताфо Чўққасевнинг топширган вазифаси, уни бажариш учун бир давлат тупроғига ўғринча ўтиб олиш.. ҳисси ҳукм суарарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Умуман, Абулбарака ичкиликни ёмон кўрмас эди. То Парижга ўқшига кетгунча отасининг таъқибида бўлиб, ичса ҳам ўғринча қилиб юрди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ЎҒРИНЧАСИГА** айн. ўғринча. **ЎҒРИХОНА** Ўғрилар ўжайдиган, ўтирадиган жой; ўғрилар кўп оралайдиган жой.

**ЎХ** унд. с. Кўрқув, оғриқ, ачиниб, нафратланиш каби хисларни ифода-лаш учун қўлланади. *Ўх, биқиним ёмон санди-ку!* — *Ўх... ўх... ўх... — деб бош чайқайди бир бармогини кекирдагига суркаб, хўжайин уни [Худайкулни] шундай қилиб сўйиб ташла-*

ини шора қилди. П. Турсун, Ҳикматувчи.

**УХУ** I унд. с. Таажжуб, хайрат маъноларини ифодалайди. — *Уху. Культивацияни қойиб қилиб юборибсиз-ку, Собиржон ака, — деди Сабохон. А. Муҳиддин, Ҳада. — Уху, — деди Сидиқжон. — жуда ўпириб ташлабсиз-ку! А. Қахҳор, Қўшчинор.*

**УХУ** II тақл. с. Йўтал товушини ифодалайди. [Ураз:] *Шошманг, бу дарди ҳарина оз-моз тутасин. Пуф-пуф... Уху, ўху, ах. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди! Ойбек, Қутлуг қон.*

**УХХУ** айн. ўхў I.

## Қ

**Қ** Ўзбек алфавитининг ўттиз учинчи ҳарфи; қ. қа.

**ҚА** «Қ» ҳарфининг номи.

**ҚАБАРИНҚИ** айн. қаваринқи.

**ҚАБАРИҚ** айн. қаварик.

**ҚАБАРМОҚ** айн. қавармоқ.

**ҚАВЗ** [а] айн. қабзият I. **Қавз** этмоқ эк. тутиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ.

**ҚАВЗА** [а] I Тутқич, даста. *Маҳкам дарҳол ичкарига кириб эшикнинг қабзасидан тортди. П. Қодиров, Уч илди. Аҳмаджон пўлемётнинг қабзасини маҳкам ушлаган ҳолда .. душманни қузатар, афтидан, шергаининг сўзини эшитмас эди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.*

**2** Қафт кенглигига тенг узунлик ўлчови. *Теша сопи узунлиги одатда 4—5 қабза, кетмон сопи эса 12—15 қабза бўлади.*

**3** Тутама, даста. *Бир қабза пиёз.*

**ҚАБЗИЯТ** [а] I Ич қотиши, ичнинг яхши юришмаслиги; қабз.

**2** эк. Диққати ошган, юраги сиқилган кишининг ҳолати; дилгирлик. *Тошкент Урта Осиёнинг энг жонли бир шахри .. томоша қилиб вақтингени чоғ қилиш мумкин, бироқ менда нимадандир диққатлик, қабзият ҳамма ёғимни ўраб олган. «Муштум», 1930, № 13.*

**ҚАБЗЛАНМОҚ** эк. Диққат бўлмоқ, юраги сиқилиб асабийлашмоқ. [Онаси қабзланиб:] *«Э болам, кўнглингиз эр тилар ўхшар, ошиқманг, ошиққан қиз эра борса ёлчмас». Гулхайи, Зарбулмасал.*

**ҚАБИЛ** [а]: қабилда тарзида, йўсинда; -га ўхшаб; дегандек. Раиснинг *«Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилда қилган ҳозирги ҳаракати ўтирганларга ёқмади. С. Маҳкамов, Шогирд. Қабилдан кам қўл. айн. қабилда. [Утабек] ўланнинг устига чиқиб тепиш қабилдан бўлган ўз хужумининг ҳақсиз эканига тушунди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Қабилдаги тарздаги, йўсиндаги; -га ўхшаш. Шу қабилдаги иш. Шу қабилдаги одамлар.*

**ҚАБИЛА** [а] I Синфий жамиятгача қариндошлик муносабатлари, урф-одати, тил ва территория жиҳатдан ўзаро боғланган кишилар бирлашмаси. *Турк қабилалари. Қабил тили.*

**2** Насл-насаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гуруҳи. *Хўжалар қабил ва жиҳатидан тўртга бўлинардилар. Айний, Эдаликлар.*

**3** с. т. Қабилдаги; тарздаги, йўсиндаги. *Утган 23 сентябрда мазкур шаҳарда Русия даҳасидаги Романовский боғида ҳам шу қабил берадлик содир бўлган. А. Қахҳор, Томошабоғ.*

**ҚАБИЛАВИЙ** [а] Қабилга оид, қабилаларга хос бўлган (қ. қабил I, 2). *Қабилавий низолар. Қабилавий урф-одатлар.*

**ҚАБИЛАДОШ** [а+ф-т] Бир қабилга мансуб бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан).

**ҚАБИЛАЧИЛИК** Кишилар қабил-қабил бўлиб яшаган жамият; кишиларнинг қабилаларга бўлиниб яшашига асосланган ижтимоий тузум. *Қабилчилик даврини ўтказиб қолган ҳолда динлар ҳам бошқача, қурбонлар ҳам ўзароқдир. «Қ. Ўзбекистон», 1928, № 121.*

**ҚАБИЛИ** айн. қабилда қ. қабил.

**ҚАБИХ** [а] Кишини жиркантирадиган, нафратлангирадиган; жирканч, ярамас, разил. *Қабих иш. Қабих одам. — Фуломжон бу қабих найранг-бозликдан қаттиқ ғазабга келса-да, ўзини оғир тутиб, оғир сўзлашга ҳаракат қилди. М. Исмонӣ, Фарғона т. о.*

**ҚАБИХЛАШМОҚ** Тобора қабих, разил бўлиб бормоқ, қабихлик, разиллик йўлига ўтмоқ; разиллашмоқ, тубанлашмоқ.

**ҚАБИХЛАШТИРМОҚ** қабихлашмоқ фл. орт. н.

**ҚАБИХЛИК** I қабих с. белги оти. **2** айн. қабохат I. *Ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиған одам.*

**ҚАБЛ** [а] айн. қабил.

**ҚАБЛАЛМИЛОД** [а] эк. кт. Миллодгача, янги эрагача, миллоддан олдинги.

**ҚАБЛАТТАРИХ** [а] эк. кт. Жуда қадимий, ёзув ва ёзма ёдгорликлар, ёзма тарихий асарлар майдонга келмаган даврга оид.

**ҚАБО** эк. кт. Устки кийим, либос. *Қўрмасам ҳам гоёибона майли мандан еткурунг, Растаю бозор аро гулгун қаболарга салом. Муқимий.*

**ҚАБОХАТ** [а] I от Қабих иш, ярамас ҳатти-ҳаракат; қабихлик, разиллик, ифлослик. *«Қандай пасткашлик, қандай ярамас қабохат! Шу маҳалгача сезмаганимга ҳайронман!» деб ўйлади Фуломжон. М. Исмонӣ, Фарғона т. о.*

**2** сфт Жуда ёмон, ярамас, разил, қабих. *Қабохат иш. | Кишини даҳшатга соладиган, даҳшатли. Бозорнинг устини туман олибди, Одамларга қабохат кун бўлибди. «Очлдов». «Қабохатли*

**ҚАБОХАТЛИ** Қабохат билан тў-

либ тошган; қабих, разил, ифлос. — *Бу, — деди Фотима, — эксплуатациянинг энг қабохатли шакли. Айний, Қуллар.*

**ҚАБР** [а] Улик кўмиладиган жой; гўр, мазор. *Солдат қабри. Қабр тоши. — Чинорли мазорда хўп меҳрибон, хўп дилкаш одам Бобоқул отанинг қабри бор. С. Анорбоев, Оксой.*

**ҚАБРИСТОН** [а+ф-т] Уликлар дафн қилинадиган жой; гўристон, мазористон, мазор. *Тошкентдаги «Чағатой» қабристони. — Жасаб юшлиб, кафанлангандан кейин, пешинга яқин тобутни .. қабристонга борадиган йўл четидоги майсага олиб бориб ерга қўйдилар. П. Турсун, Ҳикматувчи.*

**ҚАБУЛ** [а] I Таклиф, илтимос ва ш. к.га билдирилган рўзилик, маъқуллаш. *Қабул жавоби. — Қулуш қабул ифодасини бергандан сўнг, қушбеги даҳлида қараб турган қўрбошига: — Қирсинлар, — деди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Завқ-сафони тезроқ тошига интилган Мирзақаримбой эътироз қилса ҳам, ниҳоят қабулга [ниҳоят кечиктиришга] мажбур бўлди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**2** Ишга, ўқишга, аъзоликка, сафга, қаторга ва ш. к.га олиш, ўтказиш, қўйиш. *Институтга қабул бошланди. Қурса қабул тўқтатилди. Қабул комиссияси ишга тушди. Қабул имтиҳонлари муваффақиятли ўтди. — Бў йилги қабулга менинг ҳам бир оз алоқам бор, — деди у ўзининг комсомол секретари эканини назарда тутиб, — ҳаракат қилиб кўришим мумкин. П. Қодиров, Уч илди.*

**3** Сўхбатлашиш, арз ёки шикоятни тинглаш, кўриш ва ш. к. мақсадларда кимса хузурида бўлиш, хузурига чакриш ёки қўйиш. *Қабул маросими. Қабул соатлари. Министр қабулда бўлмоқ. — Куннинг акхилич ярмида Ойқўзининг қабул вақти эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**4** Эфир тўлқинларини ўзига олиш, ушлаш, тутуш. *Қабул қилувчи аппарат. Радиостанция маълумотларни бериб бўлган, қабулга ўтди. Қабул қилмоқ (ёки этмоқ) I) рози бўлмоқ, кўнмоқ; маъқул деб топмоқ, қўшилмоқ. Таклифни қабул қилмоқ. Шартини қабул қилмоқ. Узрни қабул қилмоқ. — [Азизбек:] Менинг тавбамни лоақал ўзларингиз учун қабул қилингиз! А. Қодирӣ, Утган кунлар; 2) ўтказмоқ, олмақ. Ишга қабул қилмоқ. *Ўқингиз қабул қилмоқ. Партия аъзолигига қабул қилмоқ. — Мени Ленин комсомоли сафига қабул қилишингизни сўрайман. П. Турсун, Ҳикматувчи; 3) ўз хузурига киритмоқ; қўймоқ. Врач ҳар кунни ўнлаб беморларни қабул қилади. — Кундулари ўрда девонини бошқарини, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён; 4) ўз қўлига, ихтиёрига, тасаруфи ва ш. к.га олмақ. *Совгани қабул қилмоқ.***

Аризани қабул қилмоқ. Ишни қабул қилмоқ. — Кетмончи илжайиб сипорини қабул қилади, мўлла Обиднинг орқасидан шогирдига ишу гавдасига бу кетмон ҳам кичик.» деб қулади. А. Қодирий, Обид кетмон; 5) эфир тўлқинларини ушламоқ, тутмоқ. Қисқа тўлқинларни қабул қиладиган радиоприймник; 6) дастур, йўл-йўриқ ва ш. к. сифатида маъқулламоқ, тасдиқ қилмоқ. Қарор қабул қилмоқ. Устав қабул қилмоқ; 7) бирор мазҳаб ёки динга кирмоқ, ўтмоқ. Ислом динини қабул қилган халқлар. Даргоҳида қабул қилмоқ эск. кт. 1) хузурига киритмоқ, қўймоқ; 2) дин. ижобат қилмоқ, тилагини бажаришга рози бўлмоқ. Бемор .. кўзини очиб, қизчасини ёнига тортиб ва пиширлади: — Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳида қабул қилди. А. Қаҳҳор, Бемор.

◆ **Хажн(си)** қабул бўлди с. т. барбод бўлди, тугади.

**КАБУЛХОНА** [а+ф-т] 1 Расмий идораларда иш билан келувчилар навбат кутиб ўтирадиган ёки қабул қилинадиган хона. Олий Совет Президиуми Раисининг қабулхонаси. Врачнинг қабулхонаси. — Қабулхонада секретардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Шербек суриштириб юриб, Зоология институтини топиб олди. Тўғри директор қабулхонасига кириб борди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 тар. Қаровсиз қолган болалар уйи; етимхона.

**КАВАРИЛМОҚ** қавармоқ фл. ўзл. н. кам қўлл. айн. қавармоқ. Салим баққолнинг қора, чўтир юзлари, .. думалоқланиб, қаварилиб чиққан бурни .. ҳеч кимга ёқмайди. Уйғун, Турсунов.

**КАВАРИНҚИ** Гумбазсимон кўтарилган, бўртган; қавариқ. Бир томони қаваринқи линза.

**КАВАРИҚ** 1 от Узоқ ишлаш, ишқаланиш ёки куйиш натижасида терида ҳосил бўлган шиш, пуфак ёки қадок. || Қавариқ қўллар.

2 сфт, айн. қаваринқи. Қавариқ линза.

**КАВАРИҚЛИ** Қавариғи, қавариқлар бўлган, қавариқлар билан қопланган. Қавариқли темирлатки. Қавариқли шиш.

**КАВАРМОҚ** 1 Узоқ ишлаш, ишқаланиш ёки куйиш натижасида қавариқ ҳосил бўлмоқ. Кун бўйи кетмон чопиб, қўлим қаварди. — Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб оёғим қаварди. Ойдин, Фонарь тагида.

2 Туртиб чиқмоқ, бўртиб турмоқ. Иккисининг .. бўйин томирлари арқондай қаварган, билак пайлари темира айланган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Дўппаймоқ, қаппаймоқ. Фароб икки «қаноти» қаварган хуржунни эгардан олиб тоғасига берди. А. Ҳасанов, Чироқлар.

◆ **Кўксн** (ёки юрак-бағри, кўнгли)

қаварди с. т. қаттиқ хафа бўлди, ранжиди. Гапи қурсин, юрак-бағрим қаварди. Гўрўғлиса бориб, берил хабарди. «Гўрўғли». Оёғи қаварди қатнаб чарчади. Тили қаварди гапиравериб чарчади. Йигит қўлини силтади. Запчастъ дежавериб тилларимиз қавариб кетди. И. Раҳим, Зангорн кема капитани.

**ҚАВАРТИРМОҚ** 1 қавармоқ фл. орт. н. Юравериб оёғни қавартирмоқ. — Замбил қўлингени қавартирган бўлса қонда орқала. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эркакларнинг кўзлари газадан чақчайган, бўйин томирларини қавартириб, бўғилиб бақиринишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Муболага қилмоқ, бўрттирмоқ, ошириб кўрсатмоқ. Нури эрдан кўнглисиз эди. Айниқса кейинги кунларда эрининг қусурини ўз хаёлида голят қавартириб юборди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАВАРТМА** айн. қавариқ 1. Агар ташқи томондан қаралса, ўпка пуфакчалари ярим доира кўринишидаги қавартамалар билан қопланган бўлиб кўринади. «Анатомия».

**ҚАВАРТМОҚ** қавармоқ фл. орт. н. Халиги киши орқага ташланиб, орик-чандир бўйнидаги томирларини ўқлогидай қавартиб, сигирни базўр тўхтатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бойлигинга сенлар бунча лоф урма, Кўтарилиб менинг кўнглим қаварتما. «Фольклор».

**КАВАРЧИК** Майда қавариқ.

**ҚАВАТ** 1 Қат-қат нарсаларнинг хар бир қати, қатлами ва уларнинг ораси. У дўппини тахлаб, кўрпанинг қаватига қўйди. | Миқдор билдирувчи сўзлардан кейин келиб, қат-қат нарсаларнинг қатламлик даражасини билдиради. Бир қават тўн. Икки қават кўйлак. — Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб далага чиқиши бошқаларга ўртак. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ахар у [Майна] игнанинг тешигидан етти қават осмонни кўрайдиган мерган. Элу юрт орасида унинг таърифи зўр. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Хоналари устма-уст солинган биноларнинг бир балайдликдаги хоналари; этаж. Бинонинг бешинчи қавати. Остки қаватда яшамоқ.

3 Устма-уст жойлашган тоқча, полка ва ш. к.нинг хар бир поғонаси. Мунисхон жовонлардан бирини очиб, унинг юқориги қаватидан бир тўп сурат олди. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 с. т. Ён, қатор, саф. Ўз қаватига олиб ишга ўргатмоқ. — Менга айтгин, мен ҳам тиклаб қарайин, Яхши бўлса, қаватингга борайин. «Равшан». Мана, йигитлардан сўра, даштда денгиз яратаётганлар шулар. Уғлине ҳам шулар қаватида. Ҳ. Назир, Сув гадосн. Мен дўстингман, қаватингда кетаман, Умирин борин Ватанга сарф этаман. Фозил шойр.

5 кам қўлл. Марта, қарра. [Холисон:] Ҳаммаси эсимдан чиқиб, минг

қават тагин ғайратландим. Ҳамза, Паранжи сирлари.

6 Сидра, кўммуект. Шоҳим бир-икки қават эски кўйлак-шамтондан бошқа нарсаси бўлмаган бўғчани устига келросин тўқиб ёдиёрмоқда эди. Айний, Қуллар.

**ҚАВАТИГА** рөн, с. т. Қаторасига, аралаш. Қаватига ҳаммани койийвермоқ.

**ҚАВАТЛАМОҚ** 1 Қават-қават қилиб термоқ, тахламоқ ёки букмоқ. Кўрпани қаватламоқ. Чаллакни қаватламоқ. Газеталарни қаватлаб тахламоқ.

2 Ип, каноп ва ш. к. нарсаларнинг бўлакларини, қатларини ёнма-ён тизиб, ёндоштириб ёки букиб йўнлаштирмоқ. Қанотни қаватлаб ётмоқ. — Сафар халтадан йўл учун олинган ипни олти қаватлаб пишитиб кўрпа қавик тика билан каллани ўз жойига қўйиб тика бошлади. Ҳ. Ғулом, Шум бола.

**ҚАВАТЛАНМОҚ** қаватламоқ фл. мажх. н.

**ҚАВАТЛАТМОҚ** қаватламоқ фл. орт. н.

**ҚАВАТЛИ** Қавати бор, қаватга эга бўлган. Икки қаватли пўстлоқ. Беш қаватли бино. — Олияхон бунинг энг яхши чораси қаватли сўкчак қуриш, дедан фикрни ўртага ташлади. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

**ҚАВАТ-ҚАВАТ** 1 Бир неча қаватдан; қатламдан ташкил топган, бир неча қаватга эга бўлган; қат-қат. Қават-қават тоғ жинси. — Дурагайлларда думба ёғи баданига уриб кетилади. Қават-қават мармарни кўрганмисан? Гўйити ўшандай бир қават ёғ, бир қават гўйит бўлади. С. Анорбоев, Оқсой. | Қаватлаб тахланган, терилган ёки букланган. Қават-қават кўрпа. — Стол ёнига марказий ва маҳаллий газеталарнинг муқоваланган қалин подшивкалари қават-қават қилиб сунб қўйилган. П. Қодиров, Уч илдиш.— Нега марта кўргансан, келган кўни кўрғатдим-ку,— деди Эрали қават-қават қилиб букланган хатни сержантга узатаркан. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Қатор-қатор тизилган, тортилган, ёнма-ён турган, қўйилган (узун ва интичка нарса ёки чизиқлар ҳақида). Қават-қават қилиб пишитилган ип.

— У йўлда бораркан, қават-қават тиканли симлар билан ўралган цехларнинг кўриқчилари ундан пропусқа сўрай бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАВИЛМОҚ** қавимоқ фл. мажх. н. Гулдор қилиб қавилган кўрпа.

**ҚАВИМА** Орасига пахта солиб қавилган. Қавима кўрпа. Қавима шиш.

**ҚАВИМОҚ** Авра-астари орасига пахта солинган нарсаларни, икки томонга ипни ўтказиб тикиб чиқмоқ. Тўнни қавимоқ. Пахтали шимни қавимоқ. — [Қосимжон] уйга келганди



ойиси айвонда кўрпа қавиб ўлтирарди. У. Умарбеков, Она.

**ҚАВИТМОҚ қавимок** фл. орт. н. Кўрпа қавитмоқ.

**ҚАВИҚ** Қавилган нарсаларнинг икки томонига ўтказиб текилган чоки. Йирик қавиқ. Гулдор қавиқ. || Қавиқ игна. — Эъвозхон паранжи ичидан бошини кўтариб қаради, Раззоқнинг ихчам кирза этигини, майда қавиқ пахталик шимини кўрди. Х. Гулом, Машғал. | Шундай чоқни бажариш иши. Қавиқни ўрганмоқ. — Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қолаб қавиқдан чиқарди. А. Хайитметов, Унсин хола. | Икки чоқнинг ўртаси, оралиғи. Тўннинг қавиқлари дўппининг пилтасидек червонга тўлибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАВИҚЧИ** Қавиш иши билан шугуланувчи одам. Моҳир қавиқчи. || Қавиқчи аёл.

**ҚАВЛ** [а] 1 Лафз, сўз. Қавли йўқ одам. — Уламан деб мард қавлдан тоярми? «Равшан».

2 эск. айн. **ЭТИКОД**.

**ҚАВМ** [а] 1 Бир авлоддан тарқалган, ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар бирлашмаси; уруғ, аймоқ, қабила. Гарчи сизнинг қилчоқ қавмиа мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унутилмаслик .. хизматлар қилдингиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 дин. Ҳамиша бир масжидда ибодат қилувчи кишилар ва уларнинг ҳар бири. Жиловхонада намоз қутиб ўтирган қавмлар ичида Самид бўқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қавмида** ўзидан олдинги аниқловчи билан бирга қўлланиб, «ғайридинлар қаторида», «бошқа мазҳабгагилар сирасида» маъносини ифодалайди. Зокир темирчи ғозининг қилчидан ўлган, шунинг учун ҳам у кофир қавмида кетган эмиш. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАВМ-ҚАРИНДОШ**, қавму қариндош Узоқ-яқин қариндош-уруғ, хеш-акрабо. Урмонжон .. Баҳрободдаги уй-жойини, қавм-қариндошини, ёр-дўстини ташлаб келиб биз билан жафо чекиб ўтирибдими, баракалла! А. Қаххор, Кўшчинор.

**ҚАВОМ** [а] Қавм; қавмлар. Хумсон ҳам расво бўлди десин, .. у манзилларнинг қавоми инсофли эди-ку?! Ойбек, Болалик.

**ҚАВРАК** Қир-адирларда эрта баҳорда униб чиқадиган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик ва унинг ёш пайтида ейладиган ўзаги. Ҳар ер-ҳар ерда қаврак ўсимлиги танаси бошқа ўсимликлардан бандан кўтарилиб туради. П. Гуломов, Зарафшон этакларида.

**ҚАВС I** [а] Иккита тик ёй, бурчакли ёки фигурали чиққан иборат белги. Кичик қавс. Урта қавс. Катта қавс. Қавсга олмақ. Қавсдан чиқармоқ. Қавс ичида берилган изоҳ. Қавс ичидаги математик ифода.

**ҚАВС II** [а] 1 (А — катта) астр.

Ўн икки буржнинг бири, Ақраб ва Жадий буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябрь—21 декабрь орасидаги даврга тўғри келади). Қавс суви даргда даво, қуёш, ҳаво танга даво. Мақол. — Бизда мезон, ақраб ва қавс ойлари қуруқ бўлиши керак, бўлмаса кузги ҳосилни, айнақча гўза-пахтани йиғиштириб ололмаймиз. Айний, Қуллар.

**ҚАВСОБ** [а+ф-т] Қавс ойида, яъни ноябрь охири декабрь бошларида ерни суғориш учун бериладиган сув; қавс суви.— У ҳам,— деди бригадир,— кузда шудгор қилинган, қавсоб, чиллаоб берилган, гўнгли тупроқ солинган. Айний, Қуллар.

**ҚАД** [а] (3-ш. бирл. қадди) 1 Кишининг бўйи-баста; қома, сўмбат. Қадди келишган одам. Қадди букилган чол. — Гуломжон .. чиройли қаддини букиб, онаси устига энасиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Фурқат .. тўлароқ, қора соқол, миёна қад, Завқий сингари хушчақчақ одам эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Тананинг оёқлардан юқори қисми, гавда. Костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенелик қилди, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди. П. Қодиров, Уч илдиз. Бек қаддини ёстиқ устидан кўтариб, Қомилга жилмайиб қаради. Х. Гулом, Машғал.

3 Киши ва нарсаларнинг баландлиги, бўйи. Ўн кунлик меҳнат орқасида ҳар томони беш газли ва қадди уч ярим газли бир ҳужра ҳосил бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. **Қадди расо** 1) қадди, бўйи-баста келишган, қомадли. Қадди расо йигит; 2) тик ўсган, адил. Қадди расо тераклар. **Қад кўтармоқ** 1) бўй чўзмоқ, ўсмоқ, юксалмоқ. Муроталининг ҳовлисида қад кўтарган ўрик бутун қишлоқда мавжуд бўлган дарахтларнинг энг каттаси ва чиройлиси эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) кўчма қурилмоқ, барпо бўлмоқ. Республикамизда янги шаҳарлар қад кўтараётир. Қаддини кўтармоқ айн. қаддини ростламоқ қ. ростламоқ 2.

**ҚАДАЛМОҚ** қадамоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Бу йил ерга уруғ барвақт қадалди. Кўкракка қадалган қатор орденлар. — Ҳамманинг кўзи қора чарм қопланган эшикка қадалган. А. Мухиддин, Чап чўнтак. **Қадалиб ўтирмоқ** қимирламасдан, кўзгалмасдан, ҳеч ёқча қиқмасдан босим ўтирмоқ, муқим ўтирмоқ. У [Сўнагул] ҳам Мадали аканинг қадалиб ўтираверишидан зерикар, мен билан кўчага чиқишга йўқ демас эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚАДАЛТИРМОҚ** қадалмоқ фл. орт. н.

**ҚАДАМ** [а] 1 Оёқ ташлаб қилинган ҳар бир ҳаракат; одим. Илдам қадам. Шаҳдам қадам. — Очил кбу гапларнинг

менга алоқаси йўқ» дегандай қилиб, қадамини тезлаштирди. П. Қодиров, Уч илдиз. **Энидаги қорабайир буни сездди шекилли, бир неча одим ўтиб, қадамини секинлаштирди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шу вақт болохона наровонида гур-гур қадам товуши эшитилди. Х. Гулом, Машғал. Эшикларни очишлари билан чипор кийимли олифта бир қиз ичкаридан отилиб чиқди-да, назли қадамлар билан кўча томонга кетди. П. Қодиров, Уч илдиз. «Дилхирож» ўзининг майда қадами, назик ҳаракатлари билан дарага кириб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Икки одим орасидаги масофа; шу масофага тенг узунлик ўлчови. Ҳовлининг бўйи қирқ қадам, эни йигирма қадам. Отилган диск қирқ-элик қадам нарига бориб тушди. — Содиқ аминнинг капаси унғурдан юз қадамча ғарба, тоғнинг соябон бўлиб осилиб тушган каттақон тоши остида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Дарахт бир жойда кўкаради,— деб насихат қилади Олахўжа.— Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | кўчма Ўсмиш, ривожланиш, ҳаракат ва ш. к. одими, суръат. Мамлакатимиз катта қадамлар билан коммунизм сари бормоқда. — У оёққа босиб дадил қадамлар билан олға бораётган колхозларнинг тажрибаларини умумлаштирди. А. Қаххор, Кўшчинор.

2 кўчма Олға силжиш, одим босиш. Ўртоқ Аҳмедов бу тажриба пахта агротехникасида олға қўйилган катта қадам дейди. А. Қаххор, Кўшчинор.

3 кўчма Бирор жойда бўлиш; бирор жойга бориш, келиш; ташриф. Унинг бу ердан қадами узилди (кесилди). Қадамнинг қирқилсин! У бизникига қадам босмай қўйди. — Агар қадамимни бой сезиб қолса, Гулнорнинг аҳволи оғирлашмайдими? Ойбек, Қулғур қон. Душманларнинг қадами билан Топталмасин боғ, чаман-гулзор. Ғайратий. Қадами етди (ёки тегди, тушди) келди, борди. Бу хатолик, ёрим, сендан ўтибди, Бу бадбахтнинг қадами бунда етибди. «Фольклор». [Мулла-ларўзи:] Омин, бизнинг қадамимиз тегди, бало тегмасин, облоғу акбар. Ҳамза, Майсаранинг иши.— Хайрият, хайрият, Абдурашул — деди Олахўжа охири, бошини кўтариб, сенинг ҳам қадаминг биз томонга тушар кун бор экан. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қадам ранжида қилмоқ** қ. ранжида.

4 кўчма Хатти-ҳаракат, юриш-туриш, одим олиш, одим. Унинг қадами бежо. Қадам босмоқ 1) юрмоқ, одим ташламоқ, босмоқ. Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб зўғра қадам босарди. А. Қаххор, Мاستон; 2) (асосан бўлишсиз ф-да) бормоқ келмоқ, ташриф буюрмоқ. У бизникига қадам босмай қўйди; 3) кўчма бирор тарзда хатти-ҳаракат қилмоқ, юрмоқ; одим



Зосмоқ. *Қадамнингни ййлаб бос. Қадам элиш* 1) қадам босиб юриш, одим элиш, юриш; 2) *кўчма* юриш-туриш, хатти-харакат. *Иброҳимовнинг мушоҳадасига кўра, Абдусаммадорнинг сўнги кунлардаги қадам олиши Урмонжоннинг ҳар иккала тахмини ҳам тўғри эканини аниқ кўрсатиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Қадам отмоқ** (*ёки ташламоқ*) 1) қадам босиб юрмоқ, одим отмоқ. *Иккала от бир қиёсда баравар қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) *кўчма* силжимоқ, юрмоқ, бормоқ. *Кўёш ташлар фарб сари қадам.* Ғайратий. **Қадам кўймоқ** 1) *айн.* қадам босмоқ 1, 2. *У зўрға-зўрға қадам кўяр эди.* — *Сен мактабга қадам кўйсан йилнингда, Ғарба Ватан учун борар эди жанг.* Э. Раҳим; 2) *кўчма* бирор даврга ёки соҳага кирмоқ, ўтмоқ. *Мамлакатимиз буюк қурилиш даврига қадам кўйди;* 3) *кўчма* бирор ишни бажаришга киришиш, қўл урмоқ. *Бу ишга қадам кўймасдан илгари, бир қарра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни билишга тўғри келди.* Ойбек, Қутлуг қон; 4) *айн.* қадам босмоқ 3. [*Раҳматиланинг*] назарида совет ҳукумати-нинг тақдири шу ерда, хўжалар қўлида ҳал бўлаётгандай бўлди-ю, бир-икки ноҳўя қадам кўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 5) *кўчма* қира бошламоқ, ўтмоқ (*ёш ҳақида*). *О, учга қадам кўйиб қолди-ку. Тили бирам ширин бўлиб чиққанки, сира кўя берасиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Унга икки дунё бир қадам** унга унча-мунча йўл писанд эмас. *Бир вақтлар саёқ йиғитларга қўшилиб қолгандим-да. Саёқ учун икки дунё бир қадам.* Ойбек, Қутлуг қон. [**Бировнинг**] **икки дунёсини** (*ёки охиратини*) **бир қадам қилмоқ** «охиратини, ўлимни яқинлаштирмоқ» маъносига дўқ, пўписа. [**Хўжар:**] *Ўзингни ўнглаб, холангнинг гапини тинглагинки, аканга айтиб, икки дунёни бир қадам қилдириб кўяман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Собит қадам қ. собит** 1. **Шум қадам қ. шум.** Ҳар қадамда ҳамма ерда, ҳар жойда. *Масжиди жами бўйлаб ҳар қадамда гадой: қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар.* Ойбек, Қутлуг қон. Уни [*етимчани*] сизнинг аёлингиз, болаларингиз ҳар қадамда худонинг қаҳри билан кўрқатардилар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қадамни санаб босмоқ** *айн.* одимни санаб босмоқ қ. одим.

**ҚАДАМА** 1) Қадаб, тўғнаб ёки тикиб, чатиб кўйиладиган. *Қадама жияк.* Қадама ёқа.

2) Қадаб, ёрма қилиб ўрнатиб ясалган, безатилган. *Дуторнинг қадама дастаси.* Пичоқнинг қадама сопи.

**ҚАДАМ-БАҚАДАМ** [а+ф+т+а] *айн.* қадамма-қадам.

**ҚАДАМГОҲ** [а+ф+т] *кам қўлл.* *айн.* қадамжо(й) 2.

**ҚАДАМЖО(Й)** [а+ф+т] 1 *дин.* Зиёрат қилиш, сифиниш учун бориладиган,

ган, муъжизали, муқаддас деб саналган жой; зиёратгоҳ.

2) *кўчма* Қўриш, бирор нарса ўрганиш, намуна олиш учун бориладиган серфайз ёки азиз жой. *Тошкент қадамжойдир, .. Азиз жой экан.* Шайхзода.

**ҚАДАМЛАМОҚ** 1) Қадам ташлаб юрмоқ; одимламоқ. *Майна олдинга қадамлади.* Ҳамма унинг чиройли юзига, келишган қомати, ҳарбий кийимга ҳаваас билан боқди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | *Битта-битта қадам кўйиб, секинлик билан юрмоқ.*

2) Қадам билан ўлчамоқ.

**ҚАДАМЛИ** Қадам чамасидаги; ... қадам келадиган. *Юз қадамли масофа.* *Икки қадамли жой.*

**ҚАДАМЛИК:** **собит қадамлик қ. собит** 1.

**ҚАДАМЛОВЧИ** қадамламоқ *фл.* ш. *оти.*

◆ **Қадамловчи экскаватор** *айн.* одимловчи экскаватор қ. одимловчи.

**ҚАДАММА-ҚАДАМ** *реш* 1) Изма-из, кетидан қолмай, из қувиб. *Мен келдим, (кетимдан) қадамма-қадам у ҳам келди.*

2) *кўчма* Аста-секинлик билан, қадам-бақадам, даража-бадаража. *Масалани қадамма-қадам ўрганмоқ.*

**ҚАДАМОҚ** 1) Тирамоқ, тақамоқ. *Тахтанинг бир учини деворга қадамоқ.* — *Бу яшамай ўлгурнинг ўзи ёмон.— деди она муштини ерга қадаб.* А. Қаҳҳор Сароб. [**Бектемир**] *иккита танкни кўрди, бири қийшайган, иккинчиси эса тумшугини ерга қадаган.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2) Санчмоқ, суқмоқ. *Ханжар қадамоқ.*

3) Тўғнамоқ, тақмоқ. *Тўғноғич қадамоқ.* *Тўғноғич билан қадаб кўймоқ.* — *Мен бирон қоғозни ўқимасдан қўл кўйсам, сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийишқ қадаб кўйсанг, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавабгар бўламиз.* А. Қаҳҳор, Айб кимда. | *Солмоқ, тақмоқ (тугма, пистон ва ш. к.ни).* *Гимнастёркасининг ёқасига қўл юборди-ю, тугмасини қадашга улгуролмай яна сўзида давом қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | *Михлаб ёки бошқа йўл билан маҳкамламоқ, ўрнатмоқ.* *Эшикка номер қадамоқ.* *Этика пошна қадамоқ.*

4) Ўрнатмоқ, тикмоқ. *Глухов пичоқ билан бирпасда бейхшовгина юлдуз ясади, бармоқдай қизил қалам билан уни бўяди-да, ёғочга бириктириб, қабрга қадади.* Ойбек, Кўёш қораймас. | *Ёрма қилиб ўрнатмоқ, шу усулда безатмоқ.* *Пичоқ сопиға садаф қадамоқ.*

5) Эқмоқ, тикмоқ. [*Бўтабой:*] *.. шудгорни кесиб чигит қадаётганлар олдиға борди.* С. Аҳмад, Хўкм.

◆ **Кўзларини** (*ёки кипригини*) **қадам** тикилиб қарамоқ, боқмоқ, тикилмоқ. *У [Комилжон] шофёрга бошқа савол бермай, икки кўзини машина ойнасига қадаб боради.* И. Раҳим, Ихлос.

**ҚАДАР** 1) [а] *кўм.* 1 (*б. к. билан*)

Таққослаш, ўхшатиш маъноларини ифодалайди, -дек, ўхшаш маъноларини билдиради; каби. *Ёдимда ҳамшиша сен, падар, Ленин, Қўнғимда сўзларингиз жон қадар, Ленин.* Фозил шоир. *Дунё қадар мардлик сиққан кенг қучоғингизга, Яширинган миллион халқнинг ғазали саси.* Ҳ. Пўлат. | *Қиёсан ҳажм, миқдор ёки чегара маъносини ифодалайди. Билганингиз қадар. Мумкин қадар.* — *Биз ўзимизни ичкарига олгач, дарвозабон ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга тўнғиллайдир-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади.* А. Қодирий, Утган кунлар. | (*сон ва миқдор билдирувчи сўзлардан кейин*) *Миқдор ёки ҳажм чегарасини чамалаб ифодалайди. Бир йил қадар шу ерда яшадим.* — [*Гулнор*] *косани олиб, катта ёғоч қошиқ билан шошиб-пишиб ичди. Косада ош уч элик қадар озайди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2) (*ж. к. билан*) *Довур, -гача. Уйдан вокзалга қадар. Етми яшардан етмиши яшарга қадар. Октябрь революциясига қадар.* — *Онасидан маъмул хабарни эшитгандан бошлаб тинмай йўғлади, суякларига қадар зирқираб оғриди.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Бир қадар** маълум даражада, бир оз, бир мунча, сал. *Сал кунда қолхоз хўжалиги бир қадар тартибга тушгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **У қадар** 1) унга тенг келадиган, унчалик; 2) айтишга арзигудек, деярли. *Унинг нимаси мени ўзига тортар экан? У қадар гўзаллиги ҳам, бошқа одамлардан ортиқлиги ҳам йўқ-ку.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Шу** (*ёки бу*) **қадар қ. шу.** *Кампир шу қадар секин шиёрлаб гапирдики, бу сўзларни унинг ўзига эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ҳамин қадар қ. ҳамин.**

**ҚАДАР II** [а] *эск. кт.* Тақдир, қисмат, ёзмш.

**ҚАДАРЛИ** с. т. *Қадар, довур, -гача.* **ҚАДАТМОҚ** қадамоқ *фл.* *орт. н.* **ҚАДАТТИРМОҚ** қадатмоқ *фл.* *орт. н.*

**ҚАДАШМОҚ** қадамоқ *фл.* *бирг. н.* *Қолхозлар бу йил чигитни барвақт қадашди.* — *Конвойлар отларнинг биқинларига шпорларини қадашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАДАҚ** *диал.* Оловкурак; ҳокандоз. **ҚАДАХ** [а] *Май* ичиладиган идиш; жом. *Биллур қадаҳ. Олтин қадаҳ.* *Бир қадаҳ вино.* — *Янги йил қадаҳини кўтарган чоғинда кўйидаги шароб тўла пиёласини сенга узатиб, уриштириб онт ичгани ёдингдир.* Н. Сафаров, Мардлар.

**ҚАДДИ-БАСТ** *айн.* қадди-қомат.

**ҚАДДИ-ҚОМАТ** *Бўй-баст, сумбат, қомат.* *Қадди-қомати келишган йиғит.* — *У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йиғитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ҚАДИМ** [а] 1 *от* Узоқ ўтмиш, қадимги замон, узоқ ўтмиш давр. *Қадим-*

дан қолган одат. — Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди. П. Турсун, Ҳикитувчи.

2 сфт Узоқ ўтмишдаги; қадимий, кўхна. Қадим замон. — Бу йўллар Кўп қадим йўллардир. Ф. Гулом.

**КАДИМГИ** I Узоқ ўтмишда майдонга келган, узоқ замонлардан бери мавжуд бўлган, узоқ ўтмишга оид; қадимий, кўхна. Самарқанд — қадимги шаҳар. Қадимги обидалар. Қадимги тош қурооллар. Қадимги тарих ёки қадимги дунё тарихи эрамининг 5 асрининг ярмигача бўлган даврлар тарихи.

2 с. т. Жуда эски, азалги; илгариги, ўтмишдаги. Қадимги ошна. Қадимги гап. — Эшон янги формадаги иччам йигит билан кўришар экан, унинг ҳовлисида зир юғурдиган қадимги етимчани мутлақо танимади. П. Турсун, Ҳикитувчи.

**КАДИМГИДАЙ**, —дек рөш Қадим қандай бўлса ўшандай; ўзгаринсиз, эскича, илгаригидай. Самарқанд бозори қадимгидай гавжум. — Қарвонлар айтди: — Шу хабарни эшитиб одамдай бўлди. Бўямаса, агар қадимгидай бўлиб турса, битта-яримта таниган одам Ултонбекка билдирса .. қандай бўлар экан. «Ёдгор».

**КАДИМГИЛАР** Қадимги одамлар, илгарин ўтган кишилар; ота-боболар. Бундай ёзилбгина бир гаплашса-чи. Қайда! Онанинг кўнели болада, боланинг кўнели даллада, қадимгилар хўп топиб гапирчиған-да. С. Анорбоев, Оқсой. Вой Нуриниса, .. эшитмаганмисиз, қадимгилардан қолган бир гап бор. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАДИМГИЧА** I айн. қадимгидай. Ҳўглининг қабри қадимгича турмоқда эди. Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Эски одат бўйича; эскича. Қадимгича тўй.

**КАДИМДАН** рөш I Узоқ ўтмишдан, қадимги замонлардан. Қадимдан қолган урф-одатлар.

2 Азалдан, бурундан. Биз у билан қадимдан танишимиз.

**КАДИМИЙ** [а] айн. қадимги I. Қадимий шаҳар. Қадимий урф-одатлар. — Зотан асрлар фожиаси, қувончи бўлган муҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир ыракда мисли кўрилмаган ўзига ҳосил билан барқ уради. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАДИМИЙЛИК** қадимий с. белги оти. Ёдгорликнинг қадимийлиги.

**КАДИМОНА** [а+ф-т] кам қўлл. айн. қадимгича 2. Тансиққа ҳам бурмасиз, ҳашамсиз, узун ва жуда кенг қадимона қўйлак кийини буюрар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАДИМЧА** кам қўлл. айн. қадимгича 2. Болохона бўғот томли, кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим — қадимча эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАДИМ-КАДИМ** I Энг қадим, жуда узоқ ўтмиш. Қадим-қадимда. Қадим-қадимдан қолган афсона.

2 Энг қадимги, жуда узоқ ўтмишдаги. Қадим-қадим замонлар. — Узоқ яшаш қадим-қадим одамларнинг армони. Ф. Гулом.

**ҚАДОҚ** I 400 граммча келадиган оғирлик ўлчови. Бир қадоқ чой. — Афанди ишонмай, мушугини тортиб кўрса, тўрт қадоқ чиқибди. «Латифалар». Қадоқ тош нарсаларни тарозиде тортишда тарози палласига қўйиладиган ўлчовли юк; тош. Ҳар бир сўзи қадоқ тошдай вазмин Орлянский кейинги кунларда янада камгапроқ бўлиб қолган. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**ҚАДОҚ** II Узоқ ишқаланиш натижасида терида (кўпинча қўл ва оёқда) хосил бўладиган қаттиқ қавариқ. Қатнай бериб оёқларим қадоқ бўлди. — Вали ака .. қўлининг қадоқлари озор беришидан қўрқаётгандек, хотиннинг пешанасини авайлаб силади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Уста энгашиб қон-қора қадоқ муштини Латифанинг иягига тиради. О. Ёқубов, Ларза. **Қадоқ қўлли** ёки қўли қадоқ 1) қўли қадоқ бўлган, қўлини қадоқ босган; 2) кўйма ўз кучи билан тирикчилик қиладиган, бировнинг кучидан фойдаланмайдиган; меҳнатқаш. Қадоқ қўлли миллионлар Янчи зулм тахтини, Барло этиб бўстонлар, Топди қувонч бахтини. 3. Днёр. Бойларга қарши курашни Ниёзга ўхшаш айрим кишилар эмас, ҳамма қўли қадоқлар олиб бориши керак. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

**ҚАДОҚ** III I айн. чега. Битта қадоқ билан бутун бўладиган ликопча.

2 сфт Қадоқланган, чегаланган. Салтонбу .. қадоқ пиёлага [шилпилдоқ] солиб берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАДОҚЛАМОҚ** I I Оғирликни қадоқ билан ўлчамоқ, тортмоқ.

2 Тартиб, маълум оғирликда ёки миқдорда ўлчаб пачкаламоқ. Чой(ни) қадоқламоқ. Қанд(ни) қадоқламоқ. Унни қадоқламоқ.

**ҚАДОҚЛАМОҚ** II айн. чегаламоқ.

**ҚАДОҚЛАНМОҚ** I қадоқламоқ I фл. мажх. н. Чой қадоқланадиган фабрика.

**ҚАДОҚЛАНМОҚ** II қадоқламоқ II фл. мажх. н. Салтонбу уч еридан қадоқланган .. эски пиёлада намакоқ қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАДОҚЛАТМОҚ** I қадоқламоқ I фл. орт. н. Чой қадоқлатмоқ.

**ҚАДОҚЛАТМОҚ** II қадоқламоқ II фл. орт. н. Синган чойнак-пиёлаларни қадоқлатмоқ.

**ҚАДОҚЛИ** I Қадоқ оғирлигидаги. Беш қадоқли тош. — Кетмончиларнинг энг катта деб билган ўн қадоқли кетмонлари ҳам мулла Обидга ёқмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҚАДОҚЛИ** II Қадоғи бор, қавариб қадоққа айланган, қадоқ босган. Қадоқли қўллар.

**ҚАДОҚЛИ** III Қадоқланган, син-

ган жойи ямалган, чегаланган. Қадоқли пиёла.

**ҚАДОҚЛОВЧИ** I I қадоқламоқ I фл. ш. оти.

2 Маҳсулот қадоқлаш билан шуғулланувчи киши.

**ҚАДОҚЛОВЧИ** II айн. чегачи.

**ҚАДОҚЧИ** I айн. қадоқловчи I 2.

**ҚАДОҚЧИ** II айн. чегачи. Илкинга қўндириб қуш, ул сенга номуносиб, Боқиб ўзинга иш қил, касбинг қадоқчи ҳожим. Муқимий.

**ҚАДОҚЧИЛИК** қадоқчи II с. касб оти. Қирғиз ҳожи тирик эмиш, Андижоннинг узум бозориде қадоқчилик қиялпти экан. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ҚАДОҚЧОЙ** Ҳраб юмалоқланган маълум миқдордаги чой, қадоқланган чой. [Муҳаммадсаид] ўзи ё афғонистонлик, ё ҳиндистонлик мусулмон бўлиб, .. узоқ мамлакатлардан қадоқчой, тахтачой келтириб сотар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҚАДР** [а] I Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, обрў, эътибор, хурмат, нуфуз. Ҳз қадрини билмаган бировнинг қадрини билмайди. Мақол.

— Кишининг қадрини амали ва уновни билан эмас, ватанга, халқига қилган хизмати билан ўлчанади. Шухрат, Шинелли йиллар. Офтоб ойим .. қизинг қадрини бунчалик аршларгача кўтармоқда бўлган йигитга ўзида йўқ чексиз муҳаббат, поёнсиз эҳтиром сезмоқда эди. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

2 Нарх, баҳо. Зар қадрини заргар билар. Мақол. — Газламанинг қадри жуда ошиб кетди. Эрталабки нарх кечга тўғри келмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. У томонларда меванинг қадри баланд дейишади, ростми? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Қиймат, аҳамият. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Мақол. Қадр қилмоқ, қадрига етмоқ ёки қадрини билмоқ 1) обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-хурмат қилмоқ, қадрламоқ. Бола қадрига етмаган, она қадрига етмайди. С. Абдуқаҳҳор, Қўзлар; 2) аҳамияти нақадар азиз, аҳамиятли, қийматли эканлигини билмоқ, аҳамиятга, қимматига яраша эъвозламоқ. Саломатликнинг қадрига етмоқ. Гул қадрини булбул билар. Мақол. — Қулликни сезмаган ҳурлик қадрига ета олурму?! Ҳамза.

◆ Қадри ўтди ўрни билинди, йўқлиги сезляпти. Дўстимнинг қадри ўтди, у бўлса бунчалик қийналмас эдим.

**ҚАДРОН** [а+ф-т] I Кўпдан бери таниш бўлган, хурматли, яқин киши; қалин, жонажон дўст. Бу киши бизга жуда қадрдон. Иккаламиз эски қадрдонмиз. — Шуми қали қирқ йиллик қадрдондан чиққан гап? А. Қаҳҳор, Янги ер. || Ултармалик Асрорқул Ҳайдар отанинг қадрдон оинаси бўлади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Кўпдан бери таниш, ўрганиш бўл-

ган, ўрганиб қолинган; азиз, муқаддас. *Қадрдон* далалар. *Қадрдон* қишлоғим. — *Нормат қадрдон батальонига келиб, ошина-оғайнилари билан учрашаркан, севинчини юрагига сиғдиролмай, жуда гапдон бўлиб кетди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Ота қадрдоним отамни танийдиган қадрдоним, отамнинг дўсти. Ота қадрдонларим билан таништирганингиз учун раҳмат, амаки.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАДРДОНЛАШМОҚ** Бир-бирига қадрдон бўлмоқ, қалин жонажон дўст бўлмоқ. *Феруза, чўл қишлоғидаги беғона кишиларнинг бир она қорнидан талашиб тушгандек қадрдонлашиб кетганини ўз кўзи билан кўрди, ишонди.* Х. Фулом, Сенга интиламан. *Ўктам техника фанлари доктори Ўрмонов билан қадрдонлашиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАДРДОНЛИК** қадрдон с. белги оти. *Қадрдонлик қилмоқ.* — *Сиз олижанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматиға, кўнгили учун кулиб боқарсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАДРЛАМОҚ** 1 Обру-эйтиборига, қадр-қимматиға яраша иззат-хурмат кўрсатмоқ, қадр қилмоқ. *Устозларини қадрламоқ.* — *Гулнон чўри бўлса ҳам жуда широйли қиз. Шунинг учун чол уни қадрлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Аҳамиятиға, қимматиға яраша юқори баҳоламоқ, муҳим, фойдали, аҳамиятли деб билмоқ. *Хизматларини қадрламоқ.* — *Мен дўстликни қадрлайдиган кишиман.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**КАДРЛАШМОҚ** қадрламоқ фл. мажх. н.

**КАДРЛИ** 1 Хурматли, қимматли, азиз, мухтарам. *Қадрли ўртоқ.* *Қадрли ўқитувчи.* — *Ҳамма уни гўё узоқ вақтдан бери кутилган қадрли бир меҳмондай қувончли юз билан қаршилади.* Р. Файзий, Уч қиз. *Энди қадрли қанотларим, ҳаммангиз жой-жойингизга боринг! Хушёр бўлинки, фурсат қўлдан кетмасин.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Қадрли, баҳоси, нархи баланд, қадрини, қимматини йўқотмайдиган; бебаҳо. *Қадрли мол.*

3 ай. қадрдон 2. — *«Фарҳод» бизга қадрли жой,— деди кулиб Мирҳайдар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАДРНОШУНОС** [а+ф-т] кт. кал қўлл. Ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг қадрига ета олмайдиган; кўрнамак, нонкўр. *Улулам, қадрношунос бўлгандан сўнг қийин экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**КАДРСИЗ** 1 Хурмати, обрў-эйтибори йўқ, ҳеч ким хурмат қилмайдиган, назар илмайдиган. *Қадрсиз киши.* *Қадрласанг қадринг ошар, қадрсиздан ҳамма қочар.* Мақол.

2 Ҳеч қандай қиммати, аҳамияти, қадрли йўқ, ҳеч нарсага арзимайдиган. *Қадрсиз нарса.* || *Хотинларнинг меҳнати айниқса қадрсиз, сув текин бў-*

лишини ўшанда билдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАДРСИЗЛАНМОҚ** 1 Обру-эйтиборини, қадрини йўқотмоқ, назардан қолмоқ. *Энди сенга қадрсизланган бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадр-қимматлари юқори.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қийматини, аҳамиятини йўқотмоқ. *Пулнинг қадрсизланиши. Валютанинг қадрсизланиши.*

**КАДРШУНОС** [а+ф-т] Киши ёки нарсанинг қадр-қийматини билладиган, қадрига ета оладиган, қадрлайдиган.

**КАДРШУНОСЛИК** қадршунос с. белги оти. — *Қадршуносликларингизга раҳмат, ўртоқ!* — *дейди, мулла Обиднинг қадрига етдинг, менга шу бас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**КАДР-ҚИММАТ** Қадр ва қиммат, обрў-эйтибор. *Бошқалар сизни хўрласа, сиз хўрланманг, .. қадр-қимматингизни билинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАД-КОМАТ** ай. қадди-комат.

**КАЕР** [асли қай ер] сўр. олми Қайси ер?, қайси жой?, қайси томон?, қаёқ? *Қаер сизга ёқади? Бу қаернинг анори? Қаеринг оғрияпти? — Хали ҳеч қаерни кўрганимча йўқ.* А. Қаххор, Янги ер. *Аҳмаджон.. ўзига келгач, разм солиб қараса, ҳеч қаери майиб бўлмабди, фақат билагидан қон оқар эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**КАЕРГА** [асли қай ерга] сўр. олми Қайси ерга?, қайси жойга?, қайси томонга?, қаёққа? *Қитобни қаерга қўйдинг? У қаерга кетди?*

**КАЕРГАДИР** [асли қай ергадир] гум. олми Номаълум (бир) жойга, номаълум (бир) томонга; бирор жойга; бирор томонга. *Хатни қаергадир қўйган эдим, топа олмапман.* — *Қороғул кўчанинг у юзига ўтиб, қаергадир кириб чиқди.* А. Қаххор, Картина. *Унинг ҳаракати гўё қаергадир шошилгандай эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАЕРДА** [асли қай ерда] сўр. олми 1 Қайси ерда?, қайси жойда?, қайси томонда? *Қаерда ишлайсиз? — Мен ўраман бедани, бедаларингиз қаерда? — Ерматга қараб деди Йўлчи.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 ай. қаёқда 2, 3.

**КАЕРДАГИ** [асли қай ердаги] сўр. олми 1 Қайси ердаги?, қайси жойдаги?, қайси томондаги? *Қаердаги китобни олай?*

2 Риторик сўроқларда: ҳеч ким ўйламаган, ҳеч кимнинг хаёлиға келмаган, қаёқдаги каби маъноларни билдиради. *Қаердаги гапларни ўйлаб топасан.*

**КАЕРДАДИР** [асли қай ердадир] гум. олми Номаълум (бир) ерда, жойда; номаълум (бир) томонда; бирор ерда, жойда; бирор томонда. *Биз сиз билан қаердадир учрашганмиз.* — *Қаердадир қизилиштон қариллади, попишак «пу-пу-пу-пу» деб қўйди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**КАЕРДАН** [асли қай ердан] сўр. олми Қайси ердан?, қайси жойдан?, қайси томондан?, қаёқдан? *Сувни қаердан олиш мўмкин? Меҳмонлар қаердан келишди? Сен қаердан зўровон бўлиб қолдинг? | Қимдан?, ким орқали? Бу гапни қаердан эшитдинг? — А, севман? Бу ёмон гапни қаердан ўргандинг? Ойбек, Қутлуғ қон.*

**КАЕРДАНДИР** [асли қай ердандир] гум. олми Номаълум (бир) ердан, жойдан; номаълум (бир) томондан. *Йўлчи «маъқул» деди. Уроз, қаердандир, катта тарвуз келтириб ўртага қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАЕРЛИК** [асли қай ерлик] сўр. олми Асли қайси ердан?, қайси жойдан?, қайси ерда?, қайси жойда туғилиб ўсган? *Она, сўрамоқнинг айби йўқ, сиз бу томонларнинг одамларига ўхшамайсиз, қаерлик бўласиз.* Айний, Қўллар.

**КАЁН** [асли қай ён] эск. кт. ай. қаерга. *Бахт этагин тутқизмас, Ғам кутар борса қаён.* Миртемир.

**КАЁК** [асли қай ёк] ай. қаер. **КАЁҚДА** [асли қай ёқда] 1 ай. қаерда 1. *У қаёқда? Ўрда қаёқда?*

2 Инқорни ёки мавжуд эмасликни, йўқликни ифодалайди. — *Энди тамом бўшатдиларми сени? — Бўшатми қаёқда! Қочдик.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қамбағалга мактаб, ўқши қаёқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Қиёслаш, таққослаш маъносини билдиради. *Бўта қаёқда-ю, Низомиддин қаёқда. С. Аҳмад, Ҳукм. Тракторист танқид қилганиға санъаткор асти чндай олмас эди; трактор қаёқда-ю, масалан «ворзар» қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда!* А. Қаххор, Санъаткор.

**КАЁҚДАГИ** [асли қай ёқдаги] ай. қаердаги. *Қаёқдаги уй яхши.* — *Ой-жамол айтди: — Қаёқдаги ўйни ўйлайсиз. Ўлтон бек бўлган бўлса, бўпти-да.* «Едгор».

**КАЁҚДАДИР** [асли қай ёқдадир] ай. қаердадир.

**КАЁҚДАН** [асли қай ёқдан] ай. қаердан. *Сен бунни қаёқдан олдинг? Қаёқдан билагон бўлиб чиқдинг? — Ассалому алайкум! — деди раисга рўпара бўлиб. Раис товун қаёқдан келганини билмай аланглади.* А. Қаххор, Башорат.

**КАЁҚДАНДИР** [асли қай ёқдандир] ай. қаердандир.

**КАЁҚҚА** [асли қай ёққа] ай. қаерга. *Қаёққа қарасанг, қовун.* — *От кўчанинг айрилишиға етиб «энди қаёққа юрамиз» дегандек тўхтаган эди, эгаси яна «чу» деб жавоб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАЁҚҚАДИР** [асли қай ёққадир] ай. қаергадир. *Баландда, юлдузли кўқда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Куёш қораймас.

**ҚАЗДИРИЛМОҚ** қаздирмоқ фл. мажх. н.

**ҚАЗДИРМОҚ** қазмоқ фл. орт. н. *Ўра қаздирмоқ.* — *Менга бир ариқни*

қаздиришни буюрган эдилар, уни шундай қаздирдимки, суғориш вақтида остидан бир чўп суқиш билан уни бузиб юбориб бўлади. Айний, Қуллар.

**ҚАЗДИРТИРМОҚ** қаздирмоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЗИ** Отнинг тўш ва пешноп гўшти. | Шундай гўшдан отнинг йўғон ичагига тикиб тайёрланган маҳсулот. Янги қазу. Бир йиллик сур қазу.

■ Қечки норин учун катта қозонда ёғли қазу пишади. Иккинчи қозонда қўй этидан шўрва қайнайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЗИЛИ** Қазу солинган, қазу солиб пиширилган. Мен ўзимга тўқ, ҳар кун қазили ош ейман. А. Қаххор, Сароб.

**ҚАЗИЛМА** 1 *геол.* Ер остидан қазиб олинган нарсалар (кўмир, нефть, руда ва ш. к.).

2 *археол.* Ер остидан қолиб кетган ва қазиб топиладиган қадим ёдгорликлари ёки уларнинг қолдиқлари; топилма, топилдиқ.

3 Қадимий ёдгорликларни ёки уларнинг қолдиқларини топиш ва текшириш юзасидан олиб бориладиган ер қазииш ишлари.

**ҚАЗИЛМОҚ** қазимок *фл. мажх. н.* Ариқ қазилди. Қудуқ қазилди. Бу шахтада ҳар йили миллион тонналаб кўмир қазилади. ■ Мана бир ойдан ортди тоғ қазила бошлаганига! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАЗИМОҚ** 1 Ерни ковлаб, ўйиб чуқур қилмоқ, ковламоқ. Ариқ қазимок. Оқоп қазимок. Қудуқ қазимок. Бирозга чоғ қазисанг, ўзинг ишқиласан. Мақол. ■ Заранг ерларни лўм билан уриб шундай қазидиқи, ҳамма ҳайрон қолади. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. Утган ва аввалги йили менга қарши озмунча чуқур қазидиларми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ер ости бойлиқларини ковлаб чиқармоқ, олмоқ. Кўмир қазимок. Руда қазимок.

**ҚАЗИТИЛМОҚ** қазитмоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЗИТМОҚ** қазимок *фл. орт. н.* [Худоёрхон] .. узоқ жойдан ариқ қазитиб келиб, Оқсарой атрофини суғуртирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҚАЗИШМОҚ** қазимок *фл. бирг. н.* Қолхозчилар канал қазиди.

**ҚАЗИ-ҚАРТА** Қазилар) ва қарталар). Боқ отингни арпа билан, боқар қазу-қарта билан. Мақол. Қазисан-қартасан, асли наслинга тортасан. Мақол.

**ҚАЗМОҚ** с. т. Қазимок, ковламоқ. **ҚАЗНА** Дағал ипак, пилла чиқитдан ҳамда брак пиллалардан олинган паст ипак.

**ҚАЗНОҚ(ЧА)** Омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра. Шу уй ёнида кичик, қоронғи бир зах қазноқ бўлиб, бу омбор эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚАЗО** [а] Ҳлим; вафот; ўлиш, вафот этиш; ўлим соати, ажал. Қазоси

етди. Жон бор ерда қазо бор. Матал.

■ Кимки бизга қасд қилса, Дуч келади қазога. Уйғун. Зағнакўз .. Қамшиқападаги ҳар бир воқеадан беҳабар қолмас, тўй ёки қазога дарров етиб келар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

Худойга топширдим, Қумуш, қазом етиб кўролмай ўлсам, мендан рози бўл! А. Қодирий, Утган кунлар. **ҚАЗО** қилмоқ 1) ўлмоқ, вафот этмоқ. Дадаси қазо қилганда, Махсумнинг отасидан қарз кўтариб кўлибди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) дин. вақтида ижро қилмай ўтказиб юбормоқ, вақтида бажармай, ижро қилмай қолдирмоқ. Элмурод биринчи кунни беш вақт намазони тугал ўқиди. Иккинчи кунни учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди. П. Турсун, Уқитувчи. **ҚАЗО** бўлмоқ дин. вақтида бажарилмай, ижро этилмай қолмоқ. — Қурбонбой, — деди Махсум, — бондод намази қазо бўлди-да, яхши бўлмади. А. Қаххор, Қўшчинор. **ҚАЗОСИНИ** (кейин) ўқимоқ дин. чала қолганини кейин охирига етказмоқ, кейин ўқимоқ. [Майсара:] Бўлди, энди мен чиқиб, эшикни очиб, уни ухлатгандан кейин, сизни секин чиқариб юбораман. Бошиқа кунни қазосини ўқирмиз. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ҚАЗОЙИ:** қазойи муаллақ 1) муқаррар ўлим, ажал; 2) кўчма балохўр, ҳаромхўр. Домла поччанеиз билан .. руҳонийлар, .. ағлам, муфти, ҳоқазо қазойи муаллақлар зўр бериб қуйруқ ғажийдирлар. «Муштум», 1930, № 7.

**ҚАЗУВ** 1 қазимок *фл. иш оти.*

2 Қазииш ишлари. Туркманлар қадим замонлардан бери қазувдан озод этилган эса-да, Исфандиёр уларни қазувага солди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚАЗУВЧИ** 1 қазимок *фл. иш оти.* Ариқ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган, .. дармонсиз эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қазувчиларнинг зўр бериб ишлётганлариға ҳайфи келиб қараб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қазииш ишларини бажарувчи (киши ёки машина).

**ҚАЗҒОҚ** 1 Соч остида бош терисидан ажраб, кепаксимон тўкиладиган майда қуруқ тўқималар.

2 Ипак қурти, ёш бузоқ ва ш. к.нинг нишхўрт аралаш ахлати.

**ҚАЙ** сўр. олми Қайси? қандай? Қай вақтда ўқийсиз? Қай маҳалда келдингиз? Қай даражада? Қай аҳволда? ■ Овознинг қай томондалигини аниқлаш қийин эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Бузим сўзлар хўрсиниб, Утмишидан ўксиниб: — Ут ўрдим, машоқ тердим, Қай иш дуч келса қилдим. Қ. Муҳаммадний. Тонгла махшарда қай юз билан сенга боқаман? Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙБИР** Баъзи, айрим. Қайбир кунларда. Қайбир кишилар.

**ҚАЙГА** сўр. олми, с. т. Қаерга?, қаёққа? — Эски унум қайга кетди? — Бой, эшонлар киссасига. — Бу унумлар

қайга борур? — Ишчи-деҳқон фойдасига. Ҳамза.

**ҚАЙГАДИР** гум. олми, с. т. Қаергадир, қаёққадир. Мирзакаримбой .. жавоҳиротни қайгадир яширди ва истар-истамас секин юриб чиқиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙД** [а] *кт.* 1 Таъкидлаш; таъкид. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ...

2 Езиш, ёзиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш; рўйхат. Қайд дафтари. Қайд қилмоқ (этмоқ). Қилинган ишларни қўйин дафтарига қайд қилиб бормок.

■ Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларидан бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар. А. Қаххор, Нутқ. Қайддан ўтмоқ эск. рўйхатга ёзилмоқ, регистрациядан ўтмоқ. Саудий илгари турган ячейкаси ҳисобидан чиққан бўлса ҳам, ҳануз факультет ячейкасининг қайдидан ўтишига ҳафсала қилган эмас. А. Қаххор, Сароб.

**ҚАЙДА** сўр. олми, с. т. 1 Қаерда?, қайси ерда?, қайси жойда?, қайси томонда? Қўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар. Мақол. ■ Салим қайда? Чақиринг. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *айн. қаёқда* 2. Сиз номардга қўйилиб номард бўлманг. Совет ҳукумати соясига оту сиғирли бўлдингиз. Бўлмаса булар сизга қайда эди-а? П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАЙДАДИР** гум. олми, с. т. Қаердадир. Қайдадир, бўғотдан сув томчилайди — тик-тик. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙДАМ** с. т. Билмадим, билмасам, қаердан билай. — Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми? — деди Давлатёр. — Қайдам? Қамшиқападанман деб юрарди, ишқилиб. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАЙДАН** сўр. олми, с. т. 1 Қаердан?, қайси ердан?, қайси жойдан?, қайси томондан? Қайдан келдинг? Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади. Мақол. ■ Йўли ишга разм солиб, қайдан бошлам кераклигини ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кимдан?, ким орқали? Бу гапни қайдан эшитдинг?

2 Қаёқдан?, қай сабабдан?, қандай қилиб? Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди! Танамга ўт тушиб, жоним туташди. «Кўшиқлар».

**ҚАЙДАНДИР** гум. олми, с. т. Қаердандир. «Арава пойгаининг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бораркан, қайдандир болалар, ўспиринлар югуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙДИН** эск. айн. қаердан. Сўзла жонгинам, қайдин келдинг? «Кўшиқлар».

**ҚАЙДСИЗ** *кт.* Таъкидла(н)масдан, белгила(н)масдан, регистрация қил(н)масдан; регистрациясиз.

**ҚАЙИЛИШ** 1 қайилмоқ *фл. иш оти.*

2 Кўча, йўл, сув ва ш. к.нинг бурилиш жойи; муюлиш, қайрилиш, бу-

риллиш. У қайилишга етганда орқасига бир қараб қўйди. || Дарёнинг қайилиши жойи.

**ҚАЙИЛИШМОҚ қайилмоқ** *фл. бирг. н.* Улар ўнгага қайилишди.

**ҚАЙИЛМА** *с. т.* Қайрилган, қайриладиган, қайрилма.

**ҚАЙИЛМОҚ** *с. т.* Қайрилмоқ. Мих қайилиб кетди. Йўловчи чап томонга қайилди. — Томдан сакраида қайилиб, тўпниги ўйнаб кетган оёғи ҳа десанда тузала бермай, кейинчалик, Бўрихўжа чап оёғини терсроқ босадиган бўлиб қолди. Мирмухсин, Чиниқши.

**ҚАЙИН I** «Ота», «она», «эгачи», «сингил» сўзлари олдидан келиб шу сўзлар билан ифодаланган қариндошларнинг эр ёки хотинга қариндошлик муносабатини билдиради. Кўёвнинг қайин отаси. Қелиннинг қайин онаси. Қайин оғам. — Улар менинг қайин ундарим, камбагал, уятчан кишилар, ўзлари келишдан уялиб аризаларини менадан юбордилар. Айний, Қулар.

**ҚАЙИН II** Шимол томонда ўсадиган, тераксимон тик, пусти оқ дарахт.

**ҚАЙИН III: қайин анор** доналари тўқ қизил, ўртача нордон анор (асосан Фарғона водийсида бўлади). Серсув қайин анорнинг шарбатлари энгагимдан тирқираб оқиб кетмоқда. Ф. Ғулом, Шум бола.

**ҚАЙИНБЎЙИН** Эрнинг яқин қариндошлари (унинг хотинига нисбатан) ёки хотиннинг яқин қариндошлари (унинг эрига нисбатан).

**ҚАЙИНЗОР** Қайин дарахтлари билан банд ер, жой, майдон.

**ҚАЙИР** Дарё суви кўпайганда сув босадиган, ер ости суви юза бўлган ерлар. Зарафион дарёси қайирида, яъни дарё суви босадиган ўтлоқ ерларда ҳам ботқоқликлар бор. П. Ғуломов, Зарафион этакларида.

**ҚАЙИРГИЗМОҚ қайирмоқ** *фл. орт. н.* Маккажўхори қайиргизди. Қўлларини орқасига қайиргизди.

**ҚАЙИРИШМОҚ қайирмоқ** *фл. бирг. н.*

**ҚАЙИРМА I** Қайириладиган, қайтариладиган; букиладиган; буклама. Қайирма пичоқ. — Қайирма ёқа кўйлак устидан, Қийиб олган янги чопони. Э. Раҳим.

2 Эгилган, букилган, қайрилган. Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўтқир темир ойдинда ялтирарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Тепки (милтиқ, тўппонча ва ш. к. да).

**ҚАЙИРМОҚ I** Букиб қаватламоқ, букиб қаватлаб қўймоқ, қайтармоқ. Гиламни қайириб қўймоқ. Дастурхоннинг четини қайириб босмоқ. — Этигилой бўлганидан Йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қайириб, пастроққа чуқкалади. Ойбек, Қулғу қон. Енглари шимарилган Қомилжон, этагининг пешини қайириб олган Давронов энг олдидан борарди. И. Раҳим, Ихлос.

2 Эгмоқ, букмоқ, эгиб, букиб қий-

шайтирмоқ. Михни қайирмоқ. Дарахтнинг шохини қайирмоқ. — Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. С. Анорбоев, Оқсой. | Сурмоқ, қайтармоқ. Ғуломжон кўрди-ю, шарпа ваҳимини ҳам учутиб, шохларни укки ёнага қайирди-да, орасидан суқилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Эгиб, букиб ёки буриб бирор томонга қайтармоқ ёки синдирмоқ. Қўлларини қайирмоқ. Маккажўхори (ёки жўхори) қайирмоқ маккажўхори сўтасини букиб поядан ажратмоқ, узиб олмоқ. Жўхорини амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб келтириб берди. Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

4 Бурмоқ, буриб бирор томонга йўлламоқ, бошламоқ, янги изга солмоқ. [Очил ака:] Бу ҳазил гапми? — деди-да, бригадаси томон отининг бошини қайирди. А. Хайитметов, Пулат бармоқлар. Оқбўранинг ярмини эмас, тўртдан бирини қайириб келганимиз-даям, қишлоғимиз кўл, ўзимиз — ўрдак, бўларди-гу! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Кўйма Ёмон йўлдан қайтармоқ; ўз домига туширмоқ, ўз йўлига солмоқ. [Нетайхон Хожарага:] Хой, калла.. Эр деганни хотин қайириб олиши керак. Ҳозир қайириб олмасанг, кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди. А. Қахҳор, Тобутдан товуш. Баъзи бир амал эгаларининг оғзини мойлар, агар .. райондан чиққан бирортасини шундай сийлай оlsa, «қайирдим, бу энди ўзимизнинг одам», деб кўп талтаяр эди. П. Турсун, Уқитувчи.

6 Қайтариб олмоқ, олиб, ушлаб, чегириб қолмоқ. Қарзимни қайириб қолди. — Шундай қилиб, баҳорда бой берган ўн беш кунни ҳам қайириб олдик. И. Раҳим, Хилола. Булар [қосибаччалар] .. чойга, нонга, ўтинга, туз-қалампирга ортиқча пул тўлаб кетар эдилар. Албатта мен уларни ўз чўнтагимга қайириб қолар эдим. Ф. Ғулом, Шум бола.

◆ **Шохини қайирмоқ** *қ. шох II.* **Қайириб ташламоқ** I) жеркиб, силтаб ташламоқ, қаттиқ ўшқириб гапини бўлмоқ. — Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ! Еқма! — деди Ғуломжон. Лекин қози уни қайириб ташлади: — Оғзингни юм, бетавфиқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) баланд келиб (бировнинг гапини, фикрини ва ш. к.ни) рад қилмоқ, беҳудага чиқармоқ. Қанотини қайирмоқ *қ. қанот I.*

**ҚАЙИРТИРМОҚ қайирмоқ** *фл. орт. н.*

**ҚАЙИШ I** Пардозланмаган хом чарм; паст навли чарм. [Сипоҳлар] оқ қайишдан камар, сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўппонча қистирилган, ҳар қаторда тўрттадан олиқ келмоқда эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. || Давидбой узун қайиши қамчи-

сини ҳавога кўтариб жиловини бўшатди, отлар олдинга интилиб, тарақ-туруқ билан йўртиб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Турли мақсадлар учун ишлатилган узун чарм-тасма (камар, тиркиш, боғич ва ш. к.). Уктам этигини аскарча қунт билан тозалоб, қайишни бўшатиб, кўрпачага ўтирди. Ойбек, О. в. шабадалар.— Улар бир-бирларини қўллашади: ясавулбошини қозикалон, қозикалонни хон,— деди [Аваз] устарасини қайишига қайраб туриб. Ж. Шарипов, Хоразм. Қани, кетдик,— деди-да, елкасидаги милтиқнинг қайишини тўғрилаб олди [Абду-расул]. П. Турсун, Уқитувчи.

3 айн. тасма 3. Вентилятор қайиши.

**ҚАЙИШМОҚ I** Эгилмоқ, букилмоқ. Отнинг ингичка бели сал қайишиб, унинг устидаги чавандоз аста чайқалди. Х. Ғулом, Машъал. Мингебошининг буйруғи, эрининг ғазабли хайқирғи билан қадди букилиб, оёқлари қайиша бошлаган Жўраҳон бир неча зум ўзини йўқотиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бели қайишди** 1) бели эгилди, букилди. Қўзларингиз хираланиб, белингиздан куч кетганда, елкангиз букчайиб, белингиз қайишганда, оғир ишга буюрганлари тўғрими, ахир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) бели толиб увушиб, қотиб қолди. Нигора .. эгарда энгашиб ўтиреанидан қайишиб қолган белини энди ростлаган ҳам эдики, қаршидаги буталар орқасидан бир кўппак отилиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой; 3) кўйма меҳнат қилди, тер тўқди. Ҳа, бўлмаса жонингиз ачиганми бу? Ерни белингиз қайишиб топангизда жонингиз ачир эди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Тоб ташламоқ. Тахта қайишиб қолди.

3 Кўйма Бирор ишга бўй бермоқ, эгилмоқ. Бас энди, ета берма. Сал меҳнатга ҳам қайиш. Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

4 Кўйма диал. Ачинмоқ, жон куйдирмоқ. Қайишаман, ёрим сенинг холингга. «Ширин билан Шакар». Бир хил қизлар бор, қийин аҳволга тушган йигитга кўпроқ қайишади. П. Қодиров, Қадрим.

◆ **Қовурғаси қайишди** 1) бадани, вужуди зирқираб оғриди, баданидан оғриқ ўтди. Ёш, ўртоқ лейтенант, душман зулмидан қовурғаси қайишмаган. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) жони ачиди, куйинди. Орқада қолаётган ҳар бир қарич ерга қовурғалар қайишиб кетади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАЙИШТИРМОҚ қайишмоқ** *фл. орт. н.*

**ҚАЙИШҚОҚ** Эгилувчан, эгилса ҳам синмайдиган; эластик. Қайишқоқ металл. Қайишқоқ ёғоч.

**ҚАЙИҚ** Сувда сузиб юрадиган кичкина транспорт воситаси. Эшакли қайиқ. Моторли қайиқ. Қайиқ хай-

**дамоқ.** — Меңи дарёдан Умурзоқ ота деган чол қайиққа ўтказиб қўйди. Х. Ғулум, Машғал. Маҳкам .. қўлда сузиб юрган қайиқларга ўйчан қараб қолди. П. Қодиров, Уч илди.

**КАЙИҚСОЗ** Қайиқ ясовчи уста. **КАЙИҚСОЗЛИК** 1 қайиқсоз с. касб оти. Қайиқсозлик қилмоқ.

2 Халқ хўжалигининг қайиқ ишлаб чиқариш билан шуғуллашувчи тармоғи. Қайиқсозлик корхонаси.

**КАЙИҚЧИ** 1 Қайиқни юргизувчи, бошқарувчи, қайиқ хайдовчи. Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, қайиқчини чақирибди. Қайиқни пул сўраса, полвон муштинни кўрсатибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 ай. қайиқсоз.

**КАЙЛА** 1 Майда тўғралган гўшт ва сабзавотдан қовуриб тайёрланадиган, сўнгра тайёр овқат устига солинадиган қўшимча масалдақ.

2 диал. Угралӣ овқат; угра.

3 махс. Майда чарм резглари билан сирачдан тайёрланган қуюқ бўтқасимон қориша (пойабалдўзликда ишлатилади).

**КАЙЛИК** диал. Қаллиқ. Қайлиғиңе қани? Ё сен ҳам паранжи ёпиштириб қўйдингми? П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАЙМОҚ** 1 Бир неча вақт турғизиб қўйилган сут бетиде пайдо бўладиган ёки сутдан сепаратор ёрдамида ажратиб олиннадиган қуюқ ёғли маҳсулот. Қуюқ қаймоқ. Яхши сутнинг қаймоғи сермой бўлади. Қаймоқ чой қаймоқ солинган чой, қаймоқли чой. Шодимат .. асалга аралаштирилган сарёққа нонни батириб, қаймоқ чой билан роса туширди. А. Муҳиддин, Ошчалар. Қаймоқдек ёқди жуда маъқул тушди, жуда ёқди. Унинг бу сўзлари менга қаймоқдек ёқди. Қаймоқ боғлабди 1) бетиде қаймоқ қатлами ҳосил бўлибди; 2) кўйма бети қаймоқ каби парда билан қопланибди. Сув қаймоқ боғлабди (яъни юпқа муз билан қопланибди). Мураббо қотиб қаймоқ боғлабди.

2 кўйма Киши ёки нарсаларнинг энг яхши қисми, сараси, асиллари. Йицетларнинг қаймоғи фронгда, колхозда куч кам. Лекин иц сустлашгани йўқ. С. Зуннуова, Олов.— Жуда соз,— қиққирди Усаржон. Сўзинг қаймоғи — танқид! Ойбек, О. в. шабадалар. | Туб маъно, мағиз. Ҳамма гапнинг қаймоғи савол-жавобда ечилди. М. Мухамедов, Қаҳрамон изидан.

3 кўйма Бирор иш, нарса ва ш. к.нинг натижаси, ҳосили, ҳулласи. Ернинг қаймоғи — меҳнат қилганники. Ойбек, О. в. шабадалар. **Қаймоғини олмақ** 1) сутнинг қаймоғини ажратмоқ; 2) кўйма натижасини ёки ҳулласини олмақ. Бир йиллик меҳнатимизнинг қаймоғини оладиган вақт келди.

**КАЙМОҚДОН** Қаймоқ солинадиган кичкина сопол идиш. Беш тийинга ярим қаймоқдон қаймоқ, икки тийинга битта оби нон олиб бир чеккага

қўнқайиб, қаймоқ ея бошладим. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**КАЙМОҚЛАНМОК** 1 Қаймоқ боғламоқ (сут ҳақида).

2 Қаймоқ тегиб мойланмоқ. **Лаби** (ёки **огзи**) қаймоқланди лабига, огзига қаймоқ тегди; қаймоқ еди. Бойвучанинг қизил лаби қаймоқлансин деб, Илк сахардан оқшомгача пода боқасан. Ғ. Ғулум.

**КАЙМОҚЛАШМОК** с. т. 1 Қуюқ сухбатлашмоқ, гурунглашмоқ, қуюқ сухбат билан вақт ўтказмоқ. Муроджоннинг буваси у билан қаймоқлашгани-қаймоқлашган. Н. Мақсудий, Умидди бола. Узимни унинг [Розикўнинг] олдида қарздор эканлигимни ҳис этдим. «Қани, бир оз қаймоқлашайлик» деб, ресторанда таклиф қилдим. И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 кўйма Қуюқлашмоқ; кўнгилли, ёқимли тус олмақ. Уртада гап қаймоқлашиб Иброҳимхўжанинг тузоғига Муҳаббатхон, Муҳаббатнинг тузоғига Иброҳимхўжа илгинган экан. «Муштум», 1959, № 21. | Кучаймоқ, ошмоқ. Тоштемирнинг Иван ака билан дўстлиги тагин ҳам қаймоқлашди. Х. Ғулум, Сенга интиламан.

**КАЙМОҚЛИ** Қаймоғи бор; қаймоқ солинган. Қаймоқли нон.

**КАЙМОҚХҲҲҲ** Қаймоқ ейишни яхши кўрадиган; қаймоқни кўп ейдиган. Қаймоқхўр одам.

**КАЙМОҚХҲҲҲЛИК** 1 қаймоқхўр с. белги оти.

2 Мирқиб, тўйиб қаймоқ ейиш, қаймоққа тўйиш. Қаймоқхўрлик қилмоқ. — Бахтимизга бобо фермада эканлар, юр қаймоқхўрлик қиладиган бўлди,— дедим Муродга. А. Мирахмедов, Қулган чечаклар.

**КАЙНАМА** 1 Катта сой, дарё ва ш. к.нинг сув уюрмаланиб, қайнагандай варақлаб турадиган жойи; гирдоб.

2 махс. Ариқни, сувни йўл остидан ўтказувчи қувур ва унинг йўлнинг икки томонидаги ховузчаси. [Сув] қайнама бетон ховузчалар орқали ер ости қувурларида куйилиб; дала ёқалаб югура қетди. Ш. Ғулумов, Комсомолобод.

**КАЙНАМОК** 1 Кучли иссиқдан кўпириб, буғланиб вақирлаб турмоқ. Юз градус иссиқликда сув қайнайди. Қозонда шўрва қайнамоқда. — Бақирлаб қайнаётган дорини биров қошиқ билан шопириб турди. А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши. | кўйма Ичидеги сув, сууюклик шундай холга келган идиш ҳақида. Савовар қайнади. Тикилган қозон қайнамас. Мақол. — Печка устиде учта котелок буғ бурқатириб, шақирлаб қайнарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Пишмоқ, пишиб ейишли холга келмоқ. Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Мақол. — Декчада сазби-тиёз ҳам мириқиб қайнади. Х. Ғулум, Машғал. [Пулдорларнинг] қоринлари тўқ. Бола-чақалари роҳатда, уйларида қазӣ-қарта қайнайди. Ойбек, Қултуғ қон.

3 Ачимоқ, бижғимоқ, ачиб-бижғиб бижирламоқ. Бочкага босилган узум қайнай бошлади. | Шу тариқа етилмоқ. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тириклик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар. А. Қодиров, Ўтган кунлар.

4 кўйма Отилиб чиқмоқ, отилиб чиқиб турмоқ. Булоқлардан қайнаб чиққан тиниқ сув. — Йўлчи кўзини базўр очиб Қоратойни кўрди. Унинг ёш қайнаган кўзларига чуқур дўстлик сезгиси билан боқиб «йиғламан» деган каби имо қилди. Ойбек, Қултуғ қон.

5 кўйма Тўлқинланмоқ, мавж урмоқ; пишқирмоқ, кўпириб тошмоқ. Шамол кучайган сари денгиз чайқалар, қайнар, кўпираб. Оқсой қирғоқларидан ошиб-тошарди. Гирдоб бўлиб қайнайди. С. Анорбоев, Оқсой.

6 кўйма Ҳаяжонланмоқ, қизғин ёки безовта ҳаракатга келмоқ; тўлқинланмоқ, туғён урмоқ. Султонмурод қайнаган оломон ичиде туртки еб, босилиб, зилиб узоқ юрди. Ойбек, Навоий. | Тутақмоқ, тутақишмоқ, қизишмоқ, бўғилмоқ. Телефон дастасини кўпол ҳаракат билан пешанасидан тер чиққунча айлантиради-да, жавоб ололмай қайнаб кетади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Лола-тобора қайнаб турганда, Ойқиз аста-аста елкасини тийталаб тўхтатди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 кўйма Қизимоқ, қизғин тус олмақ, жўш урмоқ, қизиб авжга чиқмоқ. Далаларда иш қайнайди: қимлар пахта теради, қимлар беда ўради, қимлар шудгор қилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кунлардан бир кун Боисхон дўсти Петров билан жанг қайнаб турган ерга кириб бордилар. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг тугилиши. | Тўлиб-тошмоқ, ошиб-тошмоқ. Вой-эй, буғун булбулларнинг тоза илҳоми қайнаган кун экан-да! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. [Ғулумжон] олдиға оқ қоғоз қўйиб, доғотни ёнига сурди. Ичиде қайнаган хислар қўлиги қўлига қалам олдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ҳаддан зиёд кўпаймоқ. Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ. Ойбек, Қултуғ қон.

8 кўйма Ғужғон ўйнамоқ, кўп миқдорда тикилиб кетмоқ. Булоқда балиқ қайнаб ётибди. — Бу коридорда таннафус вақтида одам қайнайди. П. Қодиров, Уч илди. Ховлига чиққанда, катта ховли хотинлар билан қайнар эди. Ойбек, Қултуғ қон.

◆ **Зардаси** (ёки **сафроси**) қайнади қ. зарда. Юракдан қайнаб чиққан сидқидилдан (астойдил, эҳтирос ва ҳаяжон билан) айтилган. Жангчилар гармонь чалиб мунгли, дардчил, бироқ юракдан қайнаб чиққан қўшиқларни куйлардилар. Ойбек, Қуёш қораймас. **Қони қайнади** қ. қон.



**ҚАЙНАНА** Қайин ова (эрнинг она-си унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг униси унинг эрига нисбатан). *Фотиҳа ўқилиб кувё қайнаана уэр айтди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚАЙНАТА** Қайин ота (эрнинг отаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг отаси унинг эрига нисбатан). *Эри ва нодон қайнатасидан тухлатмага қолганида Жўраҳон уни [Хафизани] ҳимоя қилиб судда бир соат гапирган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сидиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг «сиз менинг ҳам кувёим, ҳам ўғлимсиз» десаңни эслаб, кулиб қўйди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ҚАЙНАТИЛМОҚ** қайнатмоқ *фл. мажҳ. н.* Хўроз шўрва нечоғлиқ кўп қайнатилмоғи даркор. «Муштум», 1961, № 15.

**ҚАЙНАТМА** 1 Қайнатиб, яъни қорумасдан пиширилган, тайёрланган. *Қайнатма шўрва.*

2 *махс.* Бир неча хил модданинг сувга қариб қайнатилган аралашмаси. *Олтинсувурт — оҳақ қайнатмаси.*

**ҚАЙНАТМОҚ** қайнамоқ 1—3, 6, 7 *фл. орт. н.* Сув қайнатмоқ. *Чой қайнатмоқ. Шўрва қайнатмоқ.* ■ Назаровнинг муваффақиятлари унга тинчлик бермасди, газабини қайнатарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАЙНАТТИРМОҚ** қайнатмоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЙНАШМОҚ** қайнамоқ 6, 8 *фл. бирг. н.* Одамлар қайнашган бозорлар ҳам, шаҳар шов-шувлари ҳам юрагини қамраган ҳаяжонни босолмади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ҚАЙНАҒА** Қайин ова (эрнинг акаси хотинига нисбатан ва хотиннинг акаси эрига нисбатан). *Ишқ завқидан чала маст бўлган Лабли чўзиқ-чўзиқ хуррак тортаётган эрини аллақачон учутиб юборандек, қайнағасининг айвондан тиқилиб турганини ҳам сезмади.* Х. Ғулום, Машъал.

**ҚАЙНИ** Қайин ини (эрнинг укаси хотинига нисбатан ва хотиннинг укаси эрига нисбатан). *Эрталабки чойдан сўнг уста Олим ўзининг қайниси билан .. цанқа оҳар бериш ила овора эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚАЙНИНИ** *аён. қайни.*

**ҚАЙНОВ** қайнамоқ *фл. иш оти.* Қайнови тиниб ётган қозоқ.

◆ *Бир қайнови ичида (ёки кам) ақли пастроқ, етишмайдиган; думбул.*

**ҚАЙНОҚ** 1 Қайнаган, қайнаб турган. *Қайноқ сув.* | Қуйдирадиган даражада иссиқ. *Қайноқ шўрва. Қайноқ чой.* | Ҳарорати баланд. *Қизининг ҳасратини тушунган она унинг қалин сочларини, қайноқ пешанасини силай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Кўчма* Ҳароратли, иссиқ, қизғин. *Шербекнинг қайноқ нафаси урилганданми, Нигоранинг юзлари ловиллаб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Жўш урган, авж олган; қизғин, жўшқин. *Қайноқ иш. Қайноқ меҳнат. Қайноқ жанг.* ■ Тўғонбек ..

*қайноқ сиёсий курашларга .. боши билан ишғиди.* Ойбек, Навоий. | *Иш, фаолият, кураш ва ш. к. қайнаган, жўш урган, жўшқин. Қайноқ ҳаёт.*

■ *Шу қайноқ вақтда чўққайиб, бир пиёла чойни юз қултум қилади.* Ойбек, О. в. шабадалар. | *Кучли, кучайган, тўлиб-тошган, ошиб-тошган. Қайноқ ғазаб. Қайноқ қасос ҳисси.* ■ *Ҳозир уларнинг дийдор кўришлари, биринчи марта бошларидан кечираётган қайноқ тўйғулари .. ҳар қандай ўпчилардан кўра баландроқ, софроқ эди.* П. Қодиров, Уч илди.

3 *кўчма* Куч-ғайратга тўлган, куч-ғайрати тўлиб-тошган; олсвли, ўтли, оташин. *Қайноқ ёшиллик. Қайноқ юрак.*

■ *Бу қайноқ ёшлар, Шодлик ёши, учрашув ёши. Иккимизнинг қалбимизни ҳам Киздирарди зафар кувёши.* Уйғун.

4 Одамлар билан тўлиб-тошган, одамлар ғужгон ўйнаган. *[Йўлчи] .. икки қулоч арқонни белбоғ устидан бойлаб, ҳаммолик қилиш учун бозоринг энг қайноқ жойига борди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙГИСИНГИЛ** Қайин сингил (эрнинг синглиси хотинига нисбатан ва хотиннинг синглиси эрига нисбатан). *Улар [Нурининг келиноиллари] шошиб-пишиб ўринларидан туришиди-да, қайсингилни қариш олиш учун ҳовлига тушишди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЙНЭГАЧИ** Қайин эгачи (эрнинг опаси хотинига нисбатан ва хотиннинг опаси эрига нисбатан).

**ҚАЙРАЛМОҚ** 1 қайрамоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Яхши қайралган устара.

2 Тобланмоқ, чиниқмоқ. *Меҳнатда қайралган йегит.*

**ҚАЙРАМОҚ** 1 Чархлаб, ишқаб ўткирлаштирмоқ, кескир қилмоқ, чархламоқ. *Устарани қайрамоқ. Пичоқ қайрамоқ.*

2 *кўчма* Пешламоқ, ўткирлаштирмоқ. *Иродани қайрамоқ. Онгни қайрамоқ.* ■ *Кўпчилик ўртасида гапирга оласанми? Лаб-даханни бир қайраб ишга солгин бўлмаса, ука.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 *кўчма* Бирор кимса, ташкилот, мамлакат ва ш. к. ни бошқасига қарши гиж-гижламоқ, тезламоқ, хезламоқ, оёқлантирмоқ. *[Сухсуров:] Идорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим.* А. Қахҳор, Тобутдан товуш. *Вильсон Бухоро амирини ҳам советлар Туркистонига қайраб солиш учун ҳаракат қилмоқда.* К. Яшин, Йўлчи юлдуз.

◆ **Тишини қайрамоқ** 1) ейиш-ичишга тайёрламоқ, дам сақламоқ. *Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб бераман. Атайлаб битта хумга чаросна босиб қўйдим!* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) ўч олиш мақсадида ёки умуман ёмонлик қилиш учун пайт пойламоқ, хап сеними деб, яниб юрмоқ. *Қулоқлар писиб юрган бўлсалар ҳам, алам ичида тишларини қайраб юрибдилар.* П. Тур-

сун, Уқитувчи; 3) *кам қўлл.* ғазаб билан тишларини гижирлатмоқ. *Арслонқул тишини қайраб, Тўғонбекка ўкрайди-да, тез юриб кетди.* Ойбек, Навоий.

**ҚАЙРАТМОҚ** қайрамоқ *фл. орт. н.* *Пичоқ қайратмоқ.* ■ *Тилингни қарда қайратдинг, Ғози? И. Раҳим, Ихлос.*

**ҚАЙРАШМОҚ** қайрамоқ *фл. бирг. н.*

**ҚАЙРАҒОЧ** СССРнинг Европа қисмининг жанубида, шунингдек Фарбий Европада, Кичик ва Ўрта Осиёда ўсадиган ёғочи қаттиқ, тўқ рангли, сербарғч дарахт. *Сада қайрағоч. Тўп қайрағоч. Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас.* Мақол.

**ҚАЙРАҒОЧЗОР** Қайрағоч дарахтлари билан банд ер, жой, майдон.

**ҚАЙРИЛИШ** 1 қайрилмоқ *фл. иш оти.* Маҳаллага қайрилишда, *гўё уни кутиб турган каби, эллибوشي* Олимхон учраб қолади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Йўл, ариқ, дарё ва ш. к.нинг бурилиб ўз йўналишини ўзгартирадиган жойи; қайлиш, бурилиш. *Шарқдан узоқ йўл босиб келган поезд Лесной разъезди қайрилишига етаанда, .. тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон извдан.

**ҚАЙРИЛМА** 1 Ёйсимон эгилган, ёйсимон эгилиб қайрилиб турадиган. *Усмонжонни кўрган Адолат секин кўзини настга олди. Узун қайрилма киприклар соя ташлади.* С. Зуннунсва, Гулхан. **Қайрилма қош** 1) ёйсимон қайрилган қош. *Ойдинда қазув қазигча буйруқ берилди.*— *Бибижон қайрилма қошларини чимирди.* Ойдин, Гулсаған; 2) шундай қошли одам. *Янги ой чиққан кеча Қайрилма қош ёдга тушар.* С. Аҳмад, Хукм.

2 Қайриладиган, қайтариладиган, йиғма. *Қайрилма сопли пичоқ.*

3 Қайтариб қўйиладиган, қайтарма. *Мирза Баҳром қайрилма ёқа жузунча камзулининг қўйин чўнтагидан кичкина дафтарица чиқариб Тавҳидийга берди.* А. Қахҳор, Миллатчилар.

**ҚАЙРИЛМОҚ** 1 қайирмоқ 1—4 *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Китобнинг варағи қайрилиб қолибди. *Мих қайрилиб кетяпти.* ■ *Эҳе, машина лиқ тўла темир асбоб. Бир хили ўроққа ўйшаб тиғи қайрилган.* Ҳ. Назир, Чўл хавоси. *[Саодат] ҳосили кўплигидан шохи ерга қайрилиб тушган олма дарахтларига узоқ тиқилди, нималарнингдир ўйлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Булули гўё эдим, синди қанотим қайрилиб, Не гуноҳим бор эди қолдим онамдан айрилиб.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

2 Бурилмоқ, ўгирилмоқ. *Ефим Данилович горком биноси томон қайрилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қутидор ҳовлисига қайрилар экан, бек билан хайрлашди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Тозилар қайриди келган йўлига, Офтобой эргашди тозиларига.* «Рус-тамхон». | *Ўзини бирор томонга ўгириб қарамоқ, ўгирилмоқ, юзини ўгири-моқ. Ғулумжон тўхтаб орқасига қай-*

рилди. *Мадаминхўжа етиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Букилмоқ, букчаймоқ; мункаймақ. Бағри тош қайрилма қош менга насиб қилаймикин, Ёки қаддим қошидек ҳажрида қайрилгаймикин. С. Аҳмад, Хуқм.

4 кўйма Эътибор бериб қарамоқ, парво қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ. *Қайрилмаганга қайишма.* Мақол. ■ Сен қайрилсанг мендай мунглиғ ҳолига, Билмайман кетдим Оқтош элига. «Рустамхон». **Қайрилиб қарамоқ** 1) ўгирилиб қарамоқ, назар ташламоқ. Аравакаш аравада ўтирган икки кишига қайрилиб қараб, қамчининг сопи билан Мاستонни кўрсатди. А. Қаҳҳор, Мاستон; 2) эгилиб, букилиб қарамоқ. — *Қаёда дейсиз,* — деди Қамолжон. — Ёнбоши ҳўл бўлиб, иссиқ бир нарса билмиллайди. *Қайрилиб қарасам, ҳамма ёним қон.* Н. Сафаров, Жангчи шоир; 3) кўйма эътибор бериб қарамоқ, парво қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ. [Роқия:] *Вой, юртда нима кўп, қиз кўп.* [Турғун:] *Кўп бўлган билан биронтаси қайрилиб қарамаса.* Н. Сафаров, Хаёт мактаби.

**ҚАЙРИЛТИРМОҚ** қайрилмоқ 1—3 фл. орт. н.

**ҚАЙРОҚ** 1 Кесувчи асбобларнинг тигини ўтқир қилиши, чархлаш учун ишлатиладиган тош. *Сартарошнинг қайроғи.* *Қайроқ билан пичоқни ўтқирламоқ.* **Қайроқ тош** 1) айн. **қайроқ** 1. Ёрмат қизидан хурсанд бўлди .. *Пичоқ, қайроқ тошни ва гўшт-мой солиш учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) турли шаклдаги майда тош. *Бизнинг ота-бобомиздан қолган табарруқ катта тўнларга бир ботмон қайроқ тош жойлаб отсанг, душманни тор-мор келтиради.* Айний, Дохунда.

2 Раққос(а)лар қўлда шиқирлатиб ўйнайдиган бир жуфт чўзинчоқ тош. *Қайроқ билан уфориға ўйнамоқ.* || **Қайроқ ўйин.**

◆ **Қайроқ бурун** 1) катта япалоқ бурун; 2) шундай бурунли одам.

**ҚАЙРОҚБОЗ** Қайроқ шиқирлатиб ўйновчи раққос(а).

**ҚАЙРОҚБОЗЛИК** Қайроқ шиқирлатиб ўйнаш, қайроқ билан раққос тушиш.

**ҚАЙРОҚИ** 1: **қайроқи ер** (ёки **тупроқ**) тоғ этакларида тош қатлами устида пайдо бўлган, деҳқончилик учун яроқли ер. **Қайроқи экин** шундай ерларга экиладиган экинлар.

2 Шундай ерларда, Ўзбекистонда ва умуман Урта Осиёда етиштириладиган йирик буғдой нави. *Қайроқининг нони.* || **Қайроқи ун.** — *Мана, эғилди бовур, қизинг супрасига яратиб турсин, қайроқи ун, оппоқ.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Қайроқи буғдой айн. қайроқи** 2.

**ҚАЙСАР** [а<лат] 1 от Рум подшо. | Умуман подшо, хоқон. *Жаҳоннинг фотиҳи Искандар, Рум қайсар, қотил Чингиз.* Ф. Ғулом. *Урушга*

*кирганда қоплон юрагинг. Қайсар сифат болам, қайдин бўласан?* «Рустам».

2 сфт, кўйма Тутган ерини кесадиған; ўжар, тихир, терс. *Қайсар бола.* — *Тура қолинг, энди жуда пайти, одам бунчалик қайсар бўлмайди.* *Уэр сўранг, узр.* Н. Сафаров, Водиллик қахрамон. | Киши иродасига бўйсунмайдиган, ўжар, асов. *Қайсар дарё.* *Чўлнинг қайсар табиати.*

**ҚАЙСАРЛАНМОҚ** Қайсарлик қилмоқ.

**ҚАЙСАРЛИК** қайсар с. белги оти. — *Нима десангиз денг, ойижон, барибир унга [Холдорга] тегмайман,* — деди қайсарлик билан Малика. Ж. Абдуллахонов, Тоғ ёришган соҳилда. *Дастлабки кунлардаги сўроқлардан натижа чиқмади. Қобил қайсарлик қилиб, ўз сўзида туриб олди.* Х. Ғулом, *Машъал.*

**ҚАЙСИ** сўр. олми Бир неча киши ёки нарсадан биттасини аниқлаш учун бериладиган сўроқни ифодалайди. *Отабек гангиз, шошиб сўради: — Қайси қизига унашиб келдингиз? — Қутидорнинг ёлғиз қизига! — деди Хасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қаймоқни бир ялаб, қайси шаҳарнинг қаймоғи эканини айта оласизми? Мен дарров айтаман.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. | Киши ёки предмет белгиси, хусусияти, сифати хақидаги сўроқни ифодалайди: қандай, қанақа. Иккинчи эҳтимол: *Гулнорни олиб қочганлар. Жиноятчи чиркин қўлар бор! Улар ким? Қайси мақсад билан бу жиноятни бажарадилар? Бунни билмайди.* Ойбек, Қутлуг қон. | Риторик сўроқда бўлишсизлиқни, фикрнинг аксини таъкидлайди. *Қайси она ўз фарзандини ёмон кўради? Қайси бир* 1) *гум. олми кимлиги, қандай, қаерда ёки қачонлиги номаълум; аллақайси, аллақандай, аллақаерда(ғи).* *Қайси бир куни. Қайси бир шаҳарда.* — *Қайси бир кавакда чумчуқ болалари чирқиллайди.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) (эгаллик қўшимчаси билан) сўр. олми унис(ни)ми?; буниси(ни)ми? *Қизилни, .. кўкни, .. олма гулини, .. қисқаси қайси бирини кийишга тарадудланади? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қайси куни* 1) сўр. олми қачон?, ҳафтанинг қанақа куни?; 2) рвш бундан бир неча кун аввал, яқинда. *Қайси куни Худойкулнинг янги қўйлак-иштонда қувончи ичига сиймай юренини кўриб кўзларимдан ёш чиқди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

**ҚАЙСИКИ** 1 боғл. Бош гаптаги бирор отни (кўпинча эгани) аниқлаб келадиган эргаш гапни бош гапта боғлаш учун хизмат қилади. *Бешкапа қишлоғидаги бирдан-бир аёл, қайсики юз процент тушунмаган .. Тўфанисо Мелиева қишлоқнинг отидан норози бўлиб шундай деган эди.* А. Қаҳҳор, *Қўшчинор.*

2 Кимки, кимда-ким. *Қайсики, қиш-*

*лоққа тушар отидин, элни йиғиб воқиф этар зотидин.* Муқимий.

**ҚАЙТ** [а]: **қайт қилмоқ** с. т. кўнгил айниб, еган-ичганини қайтариб ташламоқ, қусмоқ. *Қайт қилман эмган сутим, Сумақ эзар мурғак этим.* *Курсин бешик, инга-инга.* «Муштум», 1961, № 10. **Қайт бўлиб қолмоқ** с. т. кўнгли қолиб ёқтирмайдиган, кўнгли тиламайдиган бўлиб қолмоқ. *Тухумдан қайт бўлиб қолганман.*

**ҚАЙТА** рвш 1 Янғидан, бошқатдан, янгича, янги асосларда. *Ишни қайта кўриш.* — *Бундан икки ҳафта бурун командирлар составига хос формада қайта тиктирган шинелини тиззасига қўйиб, туғмаларини тиш порошоғи билан йилтиллади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Яна, иккинчи марта, яна бир қарра; яна бошқа. *Ойилхон .. кўзларини дам қисиб, дам қайта очиб, узун енгларини ҳавога елтииб гапида давом этди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.* *Қайнатанинг қайта уйланиши ёдларига келмаган эди.* *Тўсатдан чолнинг Гулнорга уйланиши орзуси уларнинг капалагини учирди.* Ойбек, *Қутлуг қон.* *Буви Хилол қайта ўзига келмади.* «Гўрўғли». **Қайта бошдан** яна, янғидан, яна бир қарра. *Тўравой қайта бошдан ҳаракат қилди.* Эмаклаб илгарига силжиб, тепаликка ақинлашди. Н. Сафаров, *Соҳиб чангал.*

2 (снқ сонлар билан) Марта, қарра. *Пулни икки қайта санамоқ.* — *У чоқларнинг лаззатини шунда яна бир қайта ялагандек, лаблари титради, юраги урди.* Ойбек, *Қутлуг қон.* *Отабек тўғрисидаги таъвиш бозгидан ўн қайта ортеган эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

3 айн. **қайтага.** *Қайта бизниқига бора қолайлик.* — *Қутиланган пайт келди.* *Лекин ёлғир ва шамол бўлгани қайта яқин бўлди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

**ҚАЙТАГА** 1 рвш Аксинча, биласк. *Онахон бу гапта парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди.* А. Мухтор, *Опасингиллар.*

2 Яхшиси, ундан кўра. *Бизниқи мана шу бурчакдаги эшик .. Қайтага букун бизниқида қолсангиз бўлмасми-а? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ҚАЙТАДАН** рвш Янғидан, бошқатдан, қайта. *Қайтадан ёзмоқ.* *Қайтадан ишламоқ.* *Қайтадан тикламоқ.* *Қайтадан қурмоқ.* — *Мактуб унинг [Қумушининг] юрак жасроҳатини қайтадан тирнаб ташлаган эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* — *Терговчи қайтадан бошлаймиз, қишлоқдан кетиб қолманг,* — деди *терговчи.* С. Анорбоев, *Оқсой.* *Бектемир қувалган пайтавазини ечиб, болдирларини ишқалаб, қайтадан аскарчасига ичмам ўради.* Ойбек, *Қуёш қораймас.*

**ҚАЙТАЙ(ИН)** диал. Нима қилай, қандай қилай, қўлимдан нима келарди, иложим қанча. *Қайтай, хафа қилдим сендай қўзимни.* «Рустамхон». *Қайта-*

ийн, бошига бўлди қиёмат, Кеча-кундуз ишим оху надомат. «Равшан».

**КАЙТАЛАМОК** 1 Такрор айтмоқ ёки қилмоқ; қайтармоқ.— Уч кишига танҳо ўзи? — Кутидор ишонмаган эди.— Азаматнинг елғиз ўзи,— деб уста Олим илгариги сўзини қайталади. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Такрорланмоқ, қайта содир бўлмоқ. Қасали яна қайталади. Қайталайдиган касаллик.

**КАЙТАЛАНМОК** айн. қайталамоқ 2. Қайталанадиган терлама. Касалликнинг қайталаниши.

**КАЙТАЛОВЧИ** 1 қайталамоқ фл. ш. оти.

2 Қайталанадиган, такрорланадиган. Қайталовчи терлама.

**КАЙТАМАН** диал. Қандай қиламан, нима қиламан. Так-так-а ҳо-ҳо, ўзбекни(нг) оти, йиқилиб тушсам, қайтаман. «Эртақлар».

**КАЙТАНГА** с. т. Қайтага.

**КАЙТАРГИЧ** махс. Ўзига келиб урилган тўлқин, нур ва ш. к. ни қайтарувчи ёки зарарсизлантирувчи асбоб. Нур қайтаргич. Овоз қайтаргич. Яшин қайтаргич.

**КАЙТАРИЛМОК** 1 қайтармоқ 1—9 фл. ўзл. н. Китоб эгасига қайтарилди. Михларнинг учи қайтарилбди. Хато яна қайтарилбди.

2 қайтармоқ фл. мажх. н. Душман ҳужуми қайтарилди. — Штраф бекор қилинсин, бўшатилган ишчилар ишга қайтарилсин. Б. Рахмонов, Баҳор арафаси.

**КАЙТАРИШ** 1 қайтармоқ фл. иш оти.

2 Кайтариқ, такрор.

**КАЙТАРИШМОК** қайтармоқ фл. бирг. н. Хатмига жавоб қайтаришмади. — Кечгача Омоннинг қўйларини қайтаришиб юрдим. Ғ. Гулом, Шум бола.

**КАЙТАРИҚ** 1 Такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап ва ш. к.

2 Кайтариш, такрорлаш, такрор. Дарсни қанча қайтариқ қилсанг, шунча пухта ўзлашади.

3 кам қўлл. айн. қайтим. Пул тўлаб қайтариғини олмоқ.

4 Эски эътиқодга кўра касаллик, фалокат ва ш. к. ни даф қилиш, иситилган кишидан совутиш ва ш. к. мақсадларда дуо ўқиш, дам солиш ва шундай дуо ўқиб дам солинган нарса.

**КАЙТАРМА** 1 Қайтариб, қайриб, буклаб қўйиладиган, қайрма. У [Аваз] ўйига етиб бориб, чироқни ёқди, қайтарма ёқа камзулини ечди. Ж. Шарипов, Хоразм. Тилма зовурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сакраб ўтган Алижон, қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди. Х. Нуъмон, Фасллар.

2 диал. айн. қайтариқ 4. Азайимхонларга юборинг, тумор қилдириб тақсин, дами ўтқирларга юборинг, дам солдирсин, қайтарма қилдириб исин, сиз ҳам ичинг. М. Исмоилий, Фарғона

т. о. [Қанизак Сидиқжонни] ўзига иситиб олган. Эсиғина, бунни билганимда ўша ердан қайтарма қилдириб келар эканман. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Халқ куйларидан бирининг номи. **КАЙТАРМОК** 1 қайтмоқ фл. орт. н. Коптоқни тепиб орқага қайтармоқ. Подани изига қайтармоқ. Тракторни ўннга қайтармоқ. Аслига қайтармоқ. Ҳаётга қайтармоқ, Хатга жавоб қайтармоқ. Олиб келган нарсани қайтариб олиб кетмоқ. Эътиқодидан қайтармоқ. Тешанинг юзини қайтарадиган ёғоч. Нур қайтарадиган ойна. Яхшиликка яхшилик қайтармоқ. — Гулмор боғда ишлашга юзурар экан, Гулсумбиби қайтарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кеча ўрда бек оймидан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормай аравани бўши қайтардим. А. Қодирий, Утган кунлар. [Шумилов:] Хафа бўлма. Онани қайтариб бўлмайди. Сингелинани қидириб топамиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Олинган нарсани жойига қўймоқ ёки эгасига келтириб бермоқ, юбормоқ. Қарзни қайтармоқ. Китобни кутубхонага қайтармоқ. Ишлатилган асбобларни жой-жойига қайтариб қўймоқ. — Тўлаган аканинг аризасини, оти билан сигирини кайтариб бериш — эртага яна бир неча ариза тушувига йўл очиб демакдир. А. Қаххор, Қўшчинор. Салтонбу ичилмаган сувни кўрага қайтариб тўқди-ю, шовиб келиб ун ёнига чўнқайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чойни қайтармоқ чойни бир неча бор пиёлага, ундан яна чойнакка қўймоқ. Тозагул чойни пиёлада шопириб қайтара бошлади. Х. Гулом, Машъал. | Ўрнини тўлдирмоқ, тикламоқ. Бекор кетган вақтнинг қайтариб бўлмади. Умрни қайтариб бўлмайди.

3 Такрор қилмоқ, такрор этмоқ, такрорламоқ. Саволни қайтармоқ. Хатони қайтармоқ. Дарсни қайтармоқ. Хатни қайтариб ўқимоқ. — [Ашулани] иккинчи қайтариб айтишида унга Хонимбиби қўйилди. А. Қодирий, Утган кунлар. Раис Низомиддинова танбех қилди: — Гапирилган саволни қайтарман-да, хатто ўзингиз айтган гапларни такрорлаётирсиз! Конкрет фактларга ўтинг. А. Қаххор, Мунофиқ.

4 Букмоқ, қайирмоқ. Этакни қайтармоқ. Еқани қайтармоқ. Дастурхоннинг четини қайтариб тикмоқ. — Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача қайтарган ва учини бир қўли билан иязи остидан ушлаган, бировни кутган вазиятда турар эди. А. Қаххор, Сароб.

5 Кимсани бирор номақбул ёки ноҳўя ишдан, хатти-ҳаракатдан ўзини тутушга ундамоқ, тиймоқ. Ичкиликдан қайтармоқ. Чекишдан қайтармоқ. — Менга шунча яхшилик қилдингиз, .янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз. А. Қаххор, Қўшчинор.

6 Оздирмоқ; чиқармоқ.— Диндан

қайтаради, динни бузади бу китоб! — бақиради Абдуллабой. Ойбек, Қутлуғ қон.

7 Даф қилмоқ, йўқ қилмоқ, йўққа чиқармоқ. Хужумни қайтармоқ. Бирлашган ёвни қайтарар. Мақол. — Батальон шу кунни кечгача душманиннг ўн уч мартаба қилган шиддатли атаксини қайтарди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

8 этн. Қайтариқ қилмоқ, қайтариқ қилиб даф этмоқ, йўқ қилмоқ. Хиндиларнинг ҳам ханноси бас, ханносининг сеҳрини на мусулмон домласи қайтарсини, на жухуд. А. Қодирий, Утган кунлар.

9 Рад этмоқ, йўқ демоқ, қабул қилмаслик. Рағйини қайтармоқ. Илимосини қайтармоқ. — Ақлли, номусли қиз ўз دادасининг гапини ҳеч вақт қайтармайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Дадамея менинг арзимни айтсангиз, албатта қайтармас. А. Қодирий, Утган кунлар. Гап қайтармоқ айтганини қилишдан, бажаришдан бўйин товлаб айтишмоқ, бахшлашмоқ, тортишмоқ. [Ақбархўжа:] Азар боланинг руҳи синмаса, шунақа бетга чопар, каттага сўз қайтарадиган қайсар бўлади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Таклиф этилган нарсани рад қилмоқ, қўлга олмаслик. У қимизни қайтарди.

10 Қусмоқ, қайт қилмоқ. Ўрнимдан турсам бошим айланади, овқат есам қайтариб ташлайман. Ойдин, Садаған бўлай, командир.

◆ Кавш қайтармоқ қ. кавш. Тутун қайтармоқ қ. тутун. Шахтини (ёки шаштини) қайтармоқ қ. шахт 1. Қўлини қайтармоқ бирор нарса узатган, тутган кишининг қўлидан узатилган, тутилган нарсани олмаслик. Мана бу узумни олинг, жуба яхши пишибди, қўлимни қайтарманг. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАЙТАРТИРМОҚ** қайтармоқ фл. орт. н. Дарсни қайтартирмоқ. — Дарҳол афандини қайтартириб келинг,— дейди вазир. «Латифалар».

**КАЙТАРУВ** 1 қайтармоқ фл. иш оти.

2 Кайтариқ, қайтариш, такрор. **КАЙТАРУВЧИ** 1 қайтармоқ фл. иш оти. Йўлчи [йўлдан] қайтарувчи кишига кўзини ёмон олайтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 махс. Аслига келтирувчи, тикловчи нарса, модда. Қайтарилиш реакциясига ёрдам берадиган моддалар қайтарувчилар деб аталади. «Химия».

**КАЙТАСАН** диал. Нима қиласан, қандай қиласан, қўлингдан нима келади, на чора. Томирингни мақтама, ёмон чикса қайтасан? Мақол.

**КАЙТА-КАЙТА** рөш Бир неча марта, такрор-такрор. Қайта-қайта айтмоқ. Қайта-қайта таъкидламоқ. — Раис Қумқишқондан келган хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Х. Гулом, Машъал. Бу нотинч кунларимизни авлодаримиз қайта-қайта ёдларига оладилар. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ҚАЙТИЛМОҚ** қайтмоқ 1, 2, 4 фл. мажх. н. [Уйга] кечқурун қайтилади. Аппор яна «хи, исқоти!» деб оғилга қамайди қўяди. А. Қаххор, Вос тепкини.

**ҚАЙТИМ** Тўловдан ортган ва эгасига қайтариб бериладиган пул. Бир аёл ишчилик газ суви цыди-да, қайтимага сотувчидан икки тийинлик чақа беришни сўради. А. Ражабов, Одам одамга.

**ҚАЙТИШ** қайтмоқ фл. иш оти. Еруғликнинг қайтиши. Нурнинг қайтиши бурчаги (физ.). — Қудаларнинг қайтиши чинга айлангандан кейин, йўл тарадуду бошланди. А. Қодиррий, Утган кунлар. Сафар тугаб, қайтиш кунни ҳам етиб келди. Н. Орифжонов, Халоват.

**ҚАЙТИЩА** рвш Қайтиб келаётганда, бораётганда. Эртаси иккинчи сменадан қайтища Набиғул Қодир билан бирга кетди. А. Қаххор, Қапотсиз чигтақ.

**ҚАЙТИШМОҚ** қайтмоқ 1, 2 фл. бирг. н. [Хизматкорлар] яна ярим соат ишлаб, кетмонларини елкага солиб нахтажордан қайтишди. Ойбек, Қутлур қон.

**ҚАЙТМАС** 1 қайтмоқ фл. бўлишсиз сфтиш ф. Йигит сўздан қайтмас йўлбарс изидан. Мақол.

2 Ҳайиқмайдиған, қўрқмайдиған; ботир. Биз енгамиз, партия бош, армиям; Сира қайтмас, ёвга тайёр, армиям. Фозил шоир. | Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиған, тап тортмайдиған. Ҳомид бу туҳматдан ҳам қайтмас ва ўз туҳматини маққам олдида мантқиқий равишда ибтор ҳам қила олур эди. А. Қодиррий, Утган кунлар.

**ҚАЙТМОҚ** 1 Келган ёки келаётган томонига йўналмоқ, юрмоқ; айланиб дастлабки ерига келмоқ. Орқасига қайтмоқ. Саёхатдан қайтиб келмоқ. Изи-са қайтиб кетмоқ. Автобус шу ердан қайтади. — У [Сидиқжон] уйга хийла таъби очилиб қайтди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 кўчма Яна олдин бўлган ишга, айтилган гап, фикр ва ш. к.га келмоқ. Лирик чекиншидан кейин асосий мавзуга қайтмоқ.

3 мажх. Тўсиққа урилиб йўналишини ўзгартирмоқ. Оқ сирдан нур яхши қайтади.

4 кўчма Воз кечмоқ, тарк этмоқ, чекинмоқ. Фикридан қайтмоқ. Сўздан қайтмоқ. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт! Мақол. — Уни худодан қайтган деб таёқ билан саваладилар. М. Уринхўжаев, Унугилмас кунлар. | (асосан бўлишсиз ф-да) Ҳазар қилмоқ, жирканмоқ; тап тортмоқ. У ҳеч нарсадан қайтмайди. Сен учун йўлдан ҳам қайтмайман. — Тўғри айтасиз, подшо деган итнинг ёғишидан ҳам қайтмайди. «Эртақлар». Қизиқчиликни ўринлатиш учун бузоқ бўлиб маърашдан, ит бўлиб хуришдан ҳам қайтмайди. А. Қаххор, Хи-хи.

5 Қамаймоқ, пасаймоқ, босилмоқ, тушмоқ. Беморнинг иситмаси қайтди. Сувуқ қайтди. Бозор қайтди. Ундан ихлосим қайтди. — Кеч кириб, қуёшнинг тапти қайтганда, вагон-ремонт заводининг ёиллари .. «сахна» ясадилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Низомидиновнинг титроги қайтгандек бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бало-қазо қайтди бало-қазо даф бўлди, бошдан кўтарилди, йўқолди.

6 Қабул қилинмай, ўтмай ёки ортиб қолиб қайтарилмоқ, қайтариб берилмоқ ёки қайтариб юборилмоқ. Мол бозордан қайтди. Пул ортиб, юз сўми қайтиб келди. Ун сўмдан уч сўм қайтди. | Қўрилмоқ, айланиб эгасининг бошига келмоқ, қайтарилмоқ (қилмишига яраша қўрилган оқибат, натижа ва ш. к. ҳақида). Қаримта қайтади. Мақол. — Бизни шунчалик сийлаб келибсизлар, бу яхшилигиниз биздан қайтмаса, худодан қайтсин. А. Қодиррий, Утган кунлар. Углинени тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса устинга ол. Бу қарз бодангдан қайтади. А. Қаххор, Қўшчинор. Сабр қил, ўғлим. Бу қасосли дунё, қайтади. Н. Сафаров, Уйғониш.

7 Тўмтоқ, ўтмас бўлиб қолмоқ (нарсаларнинг учи ёки тиғи ҳақида). Пичоқнинг юзи қайтибди.

8 Қайта юзага келмоқ, содир бўлмоқ; тикланмоқ. Ёйлик қайтиб келмайди. Утган вақт қайтмайди. Аслига қайтмоқ илгариги ҳолига келмоқ. Ҳокимнинг кўнелини олеунча ана йиқилдим, мана йиқилдим, деб ит азобини кўрган мингбоши мана эндигина аслига қайтиб, эркин нафас олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Шахтидан (ёки шаштидан) қайтмоқ қ. шахт 1.

**ҚАЙТОҚ(И)** кам қўлл. Қайтарилиб турадиган, қайтарилган; қайтарма, қайтарилма. Бодом гули оқ экан, баралари қайтоқ экан. Наврўз насими билан, широйи порлоқ экан. Т. Тўла. Тўламант мўйловини силаб, жияги қайтоқи дўппини чеккасига қўндириб, қўш белбоғини суриб, чопонининг қарнай нуска узун енгини силтаб ташлаб даврага тушди. С. Анорбоев, Оқсой. Дўпписи қайтоқи айн. дўпписи яримта қ. дўппи.

**ҚАЙЧИ** Юпқа нарсаларни кесиш учун ишлатиладиган, ўрта еридан бир-бирига винт билан бириктирилган икки тиғдан иборат асбоб. Утқир қайчи. Ток қайчи. Бармоқларини қайчи қилмоқ бармоқларини қайчи сингари очиб-ёпмоқ. — Дўстларим, — деди у, озгин бармоқларини қайчи қилиб ўйнар экан. — Сиз билан биз улуг ишга бел боғладик. Х. Ғулум, Мащғал.

◆ Қайчи куда айн. қарши куда қ. қарши.

**ҚАЙЧИБАРГ** Қайчисмон керилган узун-узун учли барг (мас., баъзи ғўзаларнинг ёки чинорнинг барги). ||

Қайчибарг картошка шундай баргли картошка нави.

**ҚАЙЧИЛАМОҚ** Қайчи билан кесмоқ, қайчи билан кесиб тузатмоқ. Гулларни қайчиламоқ. — Уста яна банд. Бир мўйсафид кишининг мўйловини қайчилаб қўймоқда эди. Ф. Ғулум, Шум бола.

**ҚАЙЧИЛАНМОҚ** қайчиламоқ фл. мажх. н.

**ҚАЙЧИЛАТМОҚ** қайчиламоқ фл. орт. н. Гулларни қайчилашиб қўймоқ.

**ҚАЙҚИ** диал. Қайилган, эгилган, эгри-бугри. Қайқи ўроқ. — Қултой Алпомишни кўриб кўнелини хушлаб, йилқи боқадиган қайқи таёғини ушлаб, .. бир сўз айтиб турган экан. «Алпомиш».

**ҚАЙҒУ** 1 Бошга тушган мусибат, кулфат; ғам-ғусса, дард-алам, ҳасрат. Оғир қайғу. Чуқур қайғу. Қайғу тортмоқ. — Қўндан энди дилларда йўқдир қайғу нолалар. З. Дийр. Тўғри, [Шоҳиста] баъзи вақтларда нималарнидир ўйлаб бир оз маъюсланар, ..аммо бунчалик қайғуга ботмасди. М. Алиев, Қалб сўзлари эзилган мактуб.

2 Уй, ташвиш, ғам. Эчкига — жон қайғуси, қассобага — мой қайғуси. Мақол. — Йигитлар ўз истиқболлари қайғусида яни бино, яни рўзгор тузидилар. А. Қодиррий, Меҳробдан чаён. Қайғу қилмоқ 1) қайғу-алам чекмоқ; 2) ғам емоқ. [Бировнинг] қайғусини емоқ айн. [бировнинг] ғамини емоқ қ. ғам.

**ҚАЙҒУ-АЛАМ** Қайғу ва алам; қайғу-аламлар. Қайғу-алам чекмоқ.

**ҚАЙҒУДОШ** Бировнинг қайғу-ҳасратига шерик бўлувчи, бошига оғир ташвиш, қайғу тушган кишига ҳамдам бўладиган киши, ҳамдард; дарлкаш. Унга [Унсина] дардларини ўртоқлашувчи сирдош — қайғудош бўлмоқчи бўлиб, ҳол-аҳволини сўради. Мирмуҳсин, Созанда.

**ҚАЙҒУЛАНМОҚ** кам қўлл. айн. қайғурмоқ.

**ҚАЙҒУЛИ** 1 Бошига кулфат-қайғу тушган, қайғу-алам чекаётган. Қайғули киши. — Унсин севакли ва қайғули ягона дўсти .. бўлган акасини кучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди. Ойбек, Қутлур қон.

2 Қайғу-алам билан тўлиб-тошган, мусибатли, аламли. Қайғули кунлар. | Оғир ташвиш, қайғу аломатлари ифодаланган, ғамгин, маъюс. Қайғули товуш. — Қампир тишсиз озгини очиб, қайғули кўзлари билан йигитга қараб қолди. Ойбек, Қутлур қон. | Кишини қайғуга соладиган. Санъаткорни яқиндан билган ёки томошаларини кўрган киши бу қайғули хабарга асло ишонгиси келмасди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ҚАЙҒУРИШМОҚ** қайғурмоқ фл. бирг. н. Қанизлар .. эшик тирқишларидан унга нон узатишар, «ондан ўлмасин бемор» деб қайғуришарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚАЙҒУРМОҚ** 1 Қайғу-алам чекмоқ, юракдан хафа бўлмоқ, куймоқ. *Қайғурмане, онажон. Қора кунлар ўтар, ёруғликка чиқармиз. Ойбек, Қутлуг қон. Полкнинг чекиншидан отлар ҳам қайғураётгандек, кишинамасди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қажурамон қизнинг фожияли ўлимини эшитганлар ҳаммаси қайғуриб йиғладилар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Бирор кимса, нарса, иш ва ш. к. ҳақида ўйламоқ, ғам емоқ. *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силади, ювиб таради ва Анварнинг истиқболи учун қайғурди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Шоқир ота] «золимларнинг зулмидан асра!» — деб, йўлчи учун қайғуради. Ойбек, Қутлуг қон. Мўл-кўл ем-хашак — кўп гўшт, сунт, ёғ демалди. Шунга кўра молларнинг қишки озуқаси ҳақида ҳозирдан қайғурайлик. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 24 май.*

**ҚАЙҒУРТИРМОҚ** қайғурмоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЙҒУСИЗ** 1 Қайғу-аламдан холи, тинч, хотиржам, осуда. *Қайғусиз ҳаёт.*

2 Ҳеч қандай ғам ташвиши йўқ, ҳеч нарсани ўйламайдиган; беғам, беташиш. *Қайғусиз одам.*

**ҚАЛА** *диал.* Шахар, қалъа. **Қала кавуш** *эск. диал.* калиш.

**ҚАЛАЙ** I *сўр. олми, с. т.* 1 Қандай?, қанақа? *Бола қалай экан? Оёқ-қўли чаққонми? П. Турсун, Ўқитувчи. Бу ерда ҳайрон бўлиб тургандан кўра гузарга борсанг қалай бўлarkan? М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қайси ахволда? Экин қалай, неча таноб? С. Аҳмад, Хукм. Қалайсан (ёки қалайсиз)? 1) ахволинг (ахволингиз) қандай?, яхшимисан (яхшимисиз)?; 2) кест. хўш, энди ахволинг (ахволингиз) нима бўлди?; хорма(нг) энди! Энди қалайсан, қўлга тушидинг-ку.*

2 Сўроқ гап олдида кириш сўз вазифасида ишлатилади. *Қалай, нонвойликдан бир нима ортадимми? Ойбек, Қутлуг қон. Қалай, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдимми? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ҚАЛАЙ** II Химиявий элемент, болгаланганда тез ясиланадиган, юмшоқ, кумушсимон оқ рангли металл. *Соф қалай. Қалай қотишмаси.* | Идишларнинг бетини қоплаш, оқартириш учун югуртирилган шундай металл қатлами. *Қалайи кўчган идиш.*

**ҚАЛАЙ** *эск. айн.* қалай II.

**ҚАЛАЙЛАМОҚ** I *айн.* кавшарламоқ. *Самоварнинг тешигини қалайламоқ.*

2 Қалай югуртирмоқ, қалай билан қоплаб оқартирмоқ. *Идишларни қалайламоқ.*

**ҚАЛАЙЛАНМОҚ** қалайламоқ *фл. мажх. н.* Қалайланган идиш.

**ҚАЛАЙЛАТМОҚ** қалайламоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЛАЙЛАТТИРМОҚ** қалайлатмоқ *фл. орт. н.*

**ҚАЛАЙЛИ** Таркибида қалай бўлган. *Қалайли баббит.*

**ҚАЛАМ** [а] I Ўртасига ингичка, узун графит жойланган чўп шаклидаги ёзув асбоби. *Қора қалам. Ранели қаламлар. — Чернецов кўк ва қизил қаламлар билан ёзаб ташланган харитага қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мўй қалам ёки қалами мўй қ. мўй. Тош қалам айн. грифель.*

2 Пероси ўзидан чиқарилган ручка. *Савагич қалам. — Кейин бир парча қоғоз олиб, қамиш қаламни қитирлашиб ёза бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу иккиси қоғозга михлангандек еап-сўзсиз қаламни қирр-қирр қоғоз устида юритиб турар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Пўлат қалам эск. айн. перо.*

3 *кўлма* Фикрни ёзма ифодалай олиш, ёзма асар ижод этиш ва унга бўлган қобилият, маҳорат. *Яхши йигит, сизнинг қалам кучингиз жуда ҳам зўр экан-ку. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Қалам аҳли ёки аҳли қалам ёзма асарлар ижод қилувчилар: ёзувчилар, шоир ва журналистлар. Қалам ожиз қалам кучсизлик қилади. Крупеньянинг ҳозирги аҳволини тасвирлашга қалам ожиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қалами ожиз фикрни яхши ифодалаб ёза олмайдиган. Қалами ожиз таржимон. Қалами ўткир фикрни таъсирчан қилиб ёза оладиган, юқори савиядаги бадий асар ярата билладиган. Қалами ўткир шоир. Қалам ҳақи (ёки учи) айн. гонорар. Манави осонлиқни қаранг, тақсир. Дуо қилиб қалам учисига бўзни узатдим, олмайдими. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**Ёш қаламлар** бадий асар ижод қилишга яқинда киришган ёш шоир ва ёзувчилар. *Бу журнал ёзувчиларни уч навага бўлиб, асарларини тақдим қилади: талантли шоирлар, ёш қаламлар ва ҳаваскор ёзувчилар. А. Қаҳҳор, Сароб. Қалам юргизмоқ (ёки тебратмоқ, сурмоқ) 1) ёзмоқ, хат машқ қилмоқ. Уларнинг зехни ўткирроқлари юзир беамал хат танийдиган, қалам ҳорғизадиган бўлиб қолишди. Х. Ғулом, Машъал; 2) адабий асар ёзмоқ, ижод этмоқ. У шеърнинг турли навларида қалам юритади. Ойбек, Навоий.*

4 Қошни қора қилиш учун суртилдиган қора модда ва уни қошга суртиш учун ишлатиладиган чўсимон асбоб. *Сени ҳарамда яхшилаб ясантираман, қошларингга қалам, кўзларингга сурма тортаман. Мирмуҳсин, Чўри.*

5 махс. Тош, тахта каби қаттиқ жисмларни ўйиш, кесиш ва гул солиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Ҳайкалтарош қалами.*

6 *диал.* Тилим, тилик. *Бир қалам гўшт.*

◆ **Қалам қош** 1) унча эгилмаган қоп-қора чиройли қош. *Тўғри, қалам қошга ўсма қўйилса бузармиш. С. Анорбоев, Оқсой; 2) шундай қошли киши. Кўп ишгит айрилди қалам қошидан. Ғайратий. Қоши қалам айн. қалам*

**қош** 2. *Бирдан қоши қаламим Пайдо бўлди ниҳоят. Ё. Мирза.*

**ҚАЛАМА** Қалаб, устма-уст териб ясалган. *Тошлоқ йўл овулни четлаб ўтади. Йўлнинг ўнг томонида пастак қалама тош девор чўзилиб кетган. Ш. Холмирзаев, Оқ отли.*

**ҚАЛАМДОН** [а+ф-т] Қалам, перо, ручка солиб қўйиладиган қутича. [Акрам] қаламдондан йўғон қизил қаламни қўлига олиб айлантирди-да, жойига солиб қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАЛАМДОШ** [а+ф-т] Бирор соҳада ёзма асар ёзувчиларнинг бири (бошқасига nisбатан).

**ҚАЛАМИ** I [а+ф-т] Қўлда тўқилган, таги оқ йўл-йўл дағал мата. *Бир кўйлаклик қалами. — Оёғига кўн этик, зенига чий алакдан яқтак тўн, қалами иштон берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қалами дўкон қалами тўқиладиган дастгоҳ. Норматпаранг ўзи қосиб, лекин уни қалами дўкондан эмас, кўкноридан бойган дейишади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ҚАЛАМИ** II [а+ф-т] Қаламда, кўпинча, қамиш қаламда ёзилган қўл ёзма. *Қадимий қалами китоб.*

**ҚАЛАМКАШ** [а+ф-т] Қалам тебратувчи, ёзувчи (шоир, ёзувчи, журналист, таржимон, рассом ва ш. к. ҳақида).

**ҚАЛАМКАШЛИК** қаламкаш *с. белги оти.*

**ҚАЛАМОҚ** I Устма-уст, ёнма-ён ёки тартибсиз равишда тиқиштириб, тўлдириб тахламоқ, термоқ. *Газламарни араваларга тоғ-тоғ қалаб, олиб кетадилар. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Ёқиб, ёндириш учун ўчоқ ва ш. к.га жойламоқ, тиқиб ташламоқ. *Ўчоққа ўтин қаламоқ. — [Бектемир] ўтинни майдалаб, роса диққат билан чайла ўртасига қалади. Ойбек, Қуёш қораймас. Нонвой чол пешанасини бойлаб тандирга ўт қалаяпти. С. Аҳмад, Уфқ.*

◆ **Гўрига ғишт қаламоқ** қ. гўр. **ҚАЛАМПИР** *айн.* гармдори. *Аччиқ қалампир. Туйилган қалампир.*

**ҚАЛАМПИРГУЛ** Хушбўй гулли бир йиллик ўтсимон боғ ўсимлиги ва унинг гули.

**ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ** Бир турли тропик доим яшил дарахтнинг қуритилган, доривор ва зирavor сифатида ишлатиладиган шонаси.

**ҚАЛАМРАВ** [а+ф-т] *эск. кт.* Бирор ҳукмдорнинг ҳукми юрадиган территория ва унинг қўл остида бўлган ерлар.

**ҚАЛАМТАРОШ** [а+ф-т] Тиғи сопи ичига қайириб, ёпиб қўйиладиган пичоқча; пакии. *Икки тиғли қаламтарош. — [Саримсоқ ота] сарғини белбоғига қирғий бурнига ўхшаш қаламтарош, соқалтароқ ҳам осиб олган. Мирмуҳсин, Чиниқиб.*

**ҚАЛАМЧА** I Қичкина қалам; қолдиқ қалам. [Петров] Йўлчини саводли қилишга астойдил уринди. Қўлга ба-

эйр илинадиган кичкина қалам билан (у бу қаламчани ер-күйкка ишонмас эди) махорка қоғозларига эзиб Йўлчага русча ҳарфларни таъинди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 қ. х. Пайвандлаш ёки кўкартириб кўчат қилиш учун кесиб олинган ноёдача. Анор, узум, тол, терак, атиргул кабиларни қаламчадан кўпайтириш мумкин.

**ҚАЛАМҚОШ** (тўғриси қалам қош) қ. қалам.

**ҚАЛАНДАР** [ф-т] 1 дин. Диний ғазаллар ўқиб, мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи тарки дунё қилган дарвеш. Чойхонада узун бўйли, узун кулоҳли қаландар кўзларини юмиб, янграқ овозини баланд қўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Дунёдан воз кечган, тарки дунё қилган киши; зоҳид. Бизлар ҳозир юрт устида қаландар. Бемакон бенаво бўлган дарбадар. «Ширин билан Шарар».

3 Ўзбек халқ кўйларидан бирининг номи.

4 Каландар (эркаклар исми).

**ҚАЛАНДАРБАЧЧА** [ф-т] Қаландарнинг шоғирди.

**ҚАЛАНДАРБАЧЧАЛИК** қаландарбачча с. давр. от. Мен бечоранинг тилим гулдираб, арз-ҳол қилдимки, мени ҳам .. қаландарбаччалikka қабул қилсалар экан. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚАЛАНДАРХОНА** [ф-т] тар. Қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой. Эшоннинг уйлари зикр туншадиган хонақога туташган эди. Қаландархона ҳам шу ерда эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚАЛАНМОҚ** қаламоқ фл. мажх. н. Печкага қаланган ўтин шитирлаб ёнмоқда. — Хайдар тоқчага қаланган китобларни кўздан кечирди. Ойбек, Навоий.

**ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИ** Ҳар хил бўлмағур, бетайин одамлар, саёқлар.

**ҚАЛАТМОҚ** қаламоқ фл. орт. н.

**ҚАЛАЧА** эск. Шаҳарга хос, шаҳарча. Куз, деҳқон бозорини мўлжаллаб, беш юз пар амиркон, хиром заифона маҳси ва юз пар қалача кавуш ғамлаган эдим. С. Абдулла, Мавлавий Мирсидикнинг ижодлари.

**ҚАЛАЧИ** с. т. Қалъачи.

**ҚАЛАШМОҚ** 1 қаламоқ фл. бирг. н. Уч киши чорчўп атрофига ўтириб, ўт қалашиб. Саратон кўрган қуруқ ўтин шитирлаб ёна бошлади. Ойбек, Қутлуг қон. Қалашиб ётмоқ кўп миқдорда уйилиб, тиқилиб ётмоқ, тиқилиб кетмоқ. Стол устида китоблар қалашиб ётибди. Бозорда қовун қалашиб ётибди.

2 кўчма Кўп бўлмоқ, йиғилиб қолмоқ. — Раҳмат, — деди у [Ўқтам] ошиқиб. — Отдан тушдим-у, бу ёққа юрдим. Ишларим қалашиб ётибди. Ойбек, О. в. шабадалар. Пастда йигитнинг ҳароратли шивир-шивири эшитилади: тўйдан бери айтиб тугатол-

маган, юрагида қалашиб ётган дардини, чеккан изтиробларини, қувончини сўзлаётгандир? С. Анорбоев, Оқсой. Илҳом қўноқлари босар қўйилиб, Мавзулар қалашар тоғдай уйилиб. Қ. Муҳаммадий.

**ҚАЛАШТИРИЛМОҚ** қалаштирмоқ фл. мажх. н.

**ҚАЛАШТИРМОҚ** қалашмоқ фл. орт. н. Бека уларнинг ийманганларини сезгач, дарров стол-стуларни бир четга қалаштириб, полга жой солди. Ойбек, Куёш қораймас. Хотин ҳам аямасдан ўтинни қалаштирмоқда эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚАЛБ** I [а] I Юрак, дил. Орага бир оз жимлик чўкди. Аммо бу сукунат қиз қалбини тинчитиши ўрнига баттар дуқиллатди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Мирзакаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Кишининг руҳий ёки маънавий дунёси, ички хис-туйғулари маркази рамзи; юрак, дил, кўнги. Қалби пок одам. Қалб амри. Қалб ҳарорати. — Қиз ўз қалбини Йўлчага бағишлаган эди. Ойбек, Қутлуг қон. Қалби шод жуда хурсанд, жуда шод. (Чин) қалбдан чин кўнгиладан, сидқи дилдан, самимий. Чин қалбдан табрик-ламоқ. — Партияга қалбдан ташаккур, Йўлчимиз пок унинг тўфайли. Ё. Мирза.

**ҚАЛБ** II [а] I Алдам-қалдам, қинғир ишлар қиладиган, қаллоб, нопок; фибрибгар. Қалб йигит. || Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас. Мақол. Қўли қалб ўғри. Қўли қалб одам.

2 Нопок, эгри, қинғир. Қалб иш.

3 Қалбаки, сохта. Ёлғиз йигит алп бўлар, алп бўлса ҳам қалб бўлар. Мақол.

**ҚАЛБАКИ** [а+ф-т] I Алдаш, қаллоблик, фибрибгарлик мақсадида аслига ўхшатиб қилинган; сохта, ясама. Қалбаки пул. Қалбаки хужжат. Қалбаки имзо. — Наҳотки, шу қалбаки хусн унинг [Самандаровнинг] кўзларини шу қадар қамаштирган бўлса? А. Мухтор, Туғилиш.

2 Риёкорлик билан, шунчаки қилинган; носамимий, ёлғондакам, юзак, ясама, бўяма. Қалбаки табассум. Қалбаки мулозамат.

**ҚАЛБАКИЛАШМОҚ** айн. сохта-лашмоқ.

**ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛМОҚ** қалбакилаштирмоқ фл. мажх. н. Қалбакилаштирилган хужжат.

**ҚАЛБАКИЛАШТИРМОҚ** қалбакилашмоқ фл. орт. н.

**ҚАЛБАКИЛИК** I қалбаки с. белги оти. Хужжатнинг қалбакилиги.

2 Қалбаки иш, хатти-ҳаракат, риёкорлик, иккиюзламачилик. — Руҳонийларнинг мақри, қалбакилиги, ҳақиқатан чегарани билмайди, — деди Муҳаммад Жамол жирканиб. Ойбек, Нур қидириб. Қалбакилик инсонни бебурд

қилади, тақсир. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ҚАЛБАКИЧИ** Қалбаки иш қилувчи; фибрибгар, сохтагар.

**ҚАЛБАН** [а] рви. кт. Бутун юракдан, қалбдан, дил билан. Қишлоқнинг тонғотар манзарасини қалбан кузатиб келаётган она-бола тез юриб, анча йўл босиб қўйишиди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. | Бутун руҳи, дунёқараш билан. Қалбан яқин кишилар.

**ҚАЛБДОШ** [а+ф-т] кт. Бутун руҳи, дунёқараш, орзу-истаги ва ш. к. бир хил бўлган (кишилардан бири иккинчисига нисбатан).

**ҚАЛБЛИ** Қалб эгаси бўлган (қ. қалб I 2). Пок қалбли киши. Оташ қалбли қиз.

**ҚАЛБЛИК** қалб II с. белги оти. Қўли қалблик. Қалблик қилмоқ.

**ҚАЛДИРАМОҚ** Қалдир-қулдир овоз чиқармоқ. Момақалдироқ қалдиради. — Оёғимиз тағида ётган узун темир қувиур-бетон қалдирар эди. Ш. Ғуломов, Инсон қўли гул.

♦ **Тили қалдиради** гапиролмай, гулдираб қолди, гапини йўқотиб қўйди. [Солижон] яна бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ тили оғзида қалдираб, — мени кечиринг, — деб қўя қолди. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинлар.

**ҚАЛДИРАТМОҚ** қалдирамоқ фл. орт. н. [Мунаввар] нонуштага, одатдағидай, ширчи тийёрлаган эди, [Хосиятбиби] кичима от-арава камалиб қолгандай қалдиратади, — деб ичмади. С. Анорбоев, Мехр. Қуннинг қизигида кенг тош йўлда пухта этикларини қалдиратиб илдам юрган аскар йигит .. терлаган юзида бирдан шабада нафасини сезди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚАЛДИРОҚ** I Қалдир-қулдир қиладиган, қалдираган. Араваларнинг қалдироқ овози.

2 Кучли қалдир-қулдир овоз. [Николин] вазмин тўплардан ерда, самода учган қалдироқларга кулоқ солди. Ойбек, Куёш қораймас. Ерни, кўкни қамрагандай титратган бу садо олдида табиатнинг ҳар қандай даҳшатли қалдироғи ҳам оғиз бўлиб қолади. Ойбек, Куёш қораймас.

**ҚАЛДИР-ҚУЛДИР** Гулдирган, қалдираган узлуксиз овоз. Ичим қалдир-қулдир қилаётти.

**ҚАЛДИРҒОЧ** I Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласини ташкил этадиган қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичкина қушча. Туя қалдирғоч. Шаҳар қалдирғочи. Тоғ қалдирғочи.

2 кўчма Бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси, хабарчиси. Ҳа, қалпир, севишиб қолдингизми? Эшитиб хурсанд бўлдим. Рустам қалдирғочини юборитти, ажабмас, кетидан ўзи ҳам қанот қоқиб келиб қолса. В. Ғофуров, Вафодор. | Бошлаб берувчи. Қолхозимизда янги ва улғушнинг .. қал-



дирғочлари бўласиз. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

**КАЛИН I** I Кўндаланг ўлчами катта (одатда ясси-ёйиқ нарсалар ҳақида). Калин китоб. Калин тахта. Калин қозоғ. Калин намат. Пўчоғи қалин қовуи.

2 Серпахта, иссиқ. Қалин кўрна. — [Фосих афанди] .. қалин кўрпача устида савол-жавобга қулоқ солиб ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Кутидор қизининг пешанасини ушлади: — Эй-ҳа .. Кумуши, ҳали иссиғинг бор, — деди. — Узингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, терлангни ёришасан, қизим! А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Совуқ ўтказмайдиған, баданни иссиқ тутадиган; иссиқ. Калин кийим. — Денисов Уктам билан қадрдонларча кўришди ва қишқи қалин қора шапкасини олиб сарғиш, майин сочларини кўли билан текислаб, куйиб сўради. Ойбек, О. в. шабадалар. || Бугун эрталаб Холматнинг ўзи ҳам жўнади. Қишлоқ совети раисининг: «Холмат, қалинроқ кийиниб ол, Уралга борасан», — дегани кампирнинг ҳамон қўлоғида. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Бир-бирига жуда яқин жойлашган, зич, тигиз. Калин соч. Калин майса. Қалин ўрмон. — Куёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Серёжа қалин ўт устида ўтириб, атрофни кўздан кечирди. А. Раҳмат, Соқов бола. | Зич тўқилган, кўзи майда. Қалин элак. | Пишиқ ипдан зич тўқилган, пухта. Қалин шойи. — Унг томон кўкаламзор; ғўза духобадек қалин тўшалиб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Қуюқ, зич. «Жинчирик» ҳам кўринмайди, уй ичи қалин тутун. Ойбек, Қутлуғ қон. Йўлни кўзлаб ўтирган эдим, у еқдан .. қалин чанг кўтарилаганини кўрдим. Айний, Қуларлар.

5 Кўп, мўл. Қалин қор. — Бозор кунни бўлаганидан расталарда одам қалин. Ойбек, Қутлуғ қон. Уларнинг ҳовлисидан қошига қалин ўсма кўйган, қомати барваста, чехраси қувноқ аёл чиқиб келяпти. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ташқари супуриб-сидирилган, қалин қилиб сув урилган бўлиши керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Кўчма Қадрдон, яқин, жонажон. У менинг қалин ўртоғим. — Низомжоннинг энг қалин ошниси Қаримжон ҳам фронтга кетди. С. Аҳмад, Уфқ. || Тантубойвачча у билан бир йилдан бунча қалин дўстлашиб, ҳар ҳафта улфатчиллик қилишга бошлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Териси (ёки бети) қалин қ. тери I. **КАЛИН II** этн. Никох тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган пул, мол ва ш. к. У тўй шарту шароитлари устида, қалин устида савдолашиб ўтирмай, фотиҳага қўл кўтарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАЛИНЛАТМОҚ** Калинроқ қилмоқ, қалинлаштирмақ.

**КАЛИНЛАШМОҚ I** Кўндаланг ўлчами ошиб, йўғон, қалин тортмоқ, қалин бўлмоқ. Қозоғ қалин бўлса, китоб қалинлашиб кетади. Тери қалинлашиб анча кичрайибди.

2 Бир-бирига яқин жойлашмоқ, тигизлашмоқ, зичлашмоқ. Сўғорилган майса қалинлашди. Шойи ювилгач, қалинлашди. Урмон тобора қалинлашмоқда. Осмондаги булутлар қалинлашмоқда.

3 Мўл бўлмоқ, кўпаймоқ. Қўчада одам қалинлашди. — Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган. Яна шиддат билан ёғишда давом этади. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Кўчма Қалин дўст, яқин ўртоқ бўлмоқ, яқинлашмоқ, дўстлашмоқ. Шу кунларда улар жуда қалинлашган. — Солдатлар йўл-йўлакай бир-бири билан жуда қалинлашиб кетди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**КАЛИНЛАШТИРМОҚ** қалинлашмоқ фл. орт. н. Сочи қалинлаштирадиган дори. Сувоқ деворни қалинлаштиради.

**КАЛИНЛИК** қалин I с. белги оти. Тахтанинг қалинлиги. Деворнинг қалинлиги. — Ҳар бирининг [понанинг] узунлиги бир газ, қалинлиги гугурт қутисининг бўйидай, эни ярим қаричча бўлиб, то нариги учигача икки томони бир зайлда юпқаланиб борарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ахир у менинг Анна Ивановна билан қалинлигимни биларди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАЛИНЧИ** этн. Кимса эшигида хўжайин томонидан тўланган қалинни қоплаш учун ишлаб турган хизматкор, қарол. Бошига қозоқи тумоқ кийган подачи йигит ҳаммадан айрилиб четга чиқди-да, ёшигина хотинини эргаштириб кета бошлади. Бу Аллонбийнинг қалинчиларидан бири эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**КАЛЛИК I** Бирор йигитга унаштирилган қиз (шу йигитга нисбатан). Қаллик ўйнаш этн. никоҳгача (шариатга хилоф равишда) унашилган қиз — бўлажак келин билан махфий учрашиш.

2 Эрли ёш жувон, ёш хотин. Абдувахоб бўлса .. ўз эрки билан ишлайди, қора кўз қаллиқчаси билан чиқиб экин экади, дарахт ўтқазади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 с. т. Куёв бўлмиш йигит (унаштирилган қизга ёки хотинига нисбатан).

**КАЛЛОБ [а]** Уз манфаатини кўзлаб, бошқаларни алдаш мақсадида турли найранглар ишлатувчи, алдам-қалдам, қинғир, қалб ишлар қилувчи; фирибгар, қалб. Ширин қизлар, қаллоб ошиқ кўлин олманг, Даврон суринг ҳур меҳнатда, асли толманг. А. Пўлат.

**КАЛЛОБЛИК I** қаллоб с. белги оти. Кўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири ёлғон билан қаллоблик. Ҳеч ким ўз-ўзидан ёлғончи бўлмади. П. Қодиров, Уч-илдиз.

2 Қинғир, қалб иш. Қаллоблик қилмоқ.

**КАЛЛОБЧИЛИК** с. т. айн. қаллоблик 2.

**КАЛМОҚ I** қ. қалмоқлар. Қалмоқ тили. Қалмоқ халқи. || Қалмоқ қиз.

**КАЛМОҚ II** с. т. Қармоқ. Дарёга қалмоқ ташлаган киши илчнганини олади-да. Қайси бир баллиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КАЛМОКИ** Қалмоқларда бўладиган, қалмоқларга хос; қалмоқча. [Ўзбек ойм.] иккита рўмолига ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўралмай қолган қалмоқи саллачасини кўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қалмоқи мол қорамолининг иссиқча чидамсиз бир тури, нави.

**КАЛМОҚЛАР** РСФСР составига кирадиган Қалмоқистон АССРнинг туб аҳолиси, туркий тилларнинг бирида сўзлашувчи халқ; қалмоқ халқи.

**КАЛМОҚЧА I** Қалмоқ халқиға, маданиятига, тилига оид. Қалмоқча рақс.

2 Қалмоқ тили. Қалмоқча(ни) биласизми? || Қалмоқча суҳбатлашмоқ.

**КАЛОВ I** қаламоқ фл. иш оти.

2 айн. тутангирик. Жапақ ўтов ўртасидаги ўчоқда қаловига қамиш солиб тезак тутатди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қаловини топмоқ 1) тўғри қаламоқ; 2) кўчма йўлни, йложини топмоқ; ишнинг кўзини билиб иш тутмоқ. Қаловини топса, қор ёнар. Мақол. — Гап айланиб-айланиб қишлоқ хўжалик техникасига бориб тақалди. Қалови топилди қолди шекилли, Икромжон бирдан очилиб кетди. И. Раҳим, Хислат.

**ҚАЛОҚ I** Бурунда қоғиб қолган мишиқ.

**ҚАЛОҚ II** диал. Чилчўп.

**ҚАЛПОҚ I** Юпқа наматдан қилинган бош кийими. Бахмал жиякли оқ қалпоқ. — У .. эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қалпоқ кийган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Ҳар қандай тўқима ёки магадан тикилган бош кийим. Болалар қалпоғи.

2 с. т. Каска. Мис қалпоқ. Пўлат қалпоқ. — Асқар полвон ҳансираб-ва бошидан каскасини олиб ерга тўнтарди: мангайини эзиб юборди бу чўян қалпоқ! Ойбек, Куёш қораймас.

3 диал. Дўппи, каллапўш.

4 Нарсалар устини қоплаб, беркитиб турадиган соябон ёки қопқоқ. Шипа осиглик қирқинчи чироқнинг қалпоғи уй деворларининг тера ёғига чўзиқ соя солган. Ҳ. Ғулом, Машғал.

5 Бирор нарсанинг қалпоқли қисми, каллаги; каллак. Мих қалпоғи. Замбуруғ қалпоғи.

**ҚАЛПОҚДОР** айн. қалпоқли 3.

**ҚАЛПОҚДУЗ** Қалпоқ ва умуман бош кийим тикувчи уста, хунарманд.

**ҚАЛПОҚЛИ I** Қалпоқ кийган, бошида қалпоғи бор. Отлиқ .. беҳилардан бирининг чанг осиб ётган тукунини кўли билан артди, қалпоқли бошини

энгаштириб, уни ҳидлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қалпоқсимон қопқоқ билан ёпилган, қалпоқ кийдирилган. Барак шипининг ўртарағичга осиглик тунука қалпоқли қирқинчи лампа хира нур сочиб турибди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

3 Қаллакли, қаллақдор, қалпоқдор. Қалпоқли замбурур.

**ҚАЛПОКЧИ** айн. қалпоқдўз.

**ҚАЛТИЛЛАМОҚ** с. т. Қалтирамоқ, титрамоқ. Ёлғизоёқ кўприк қадам босганда қалтиллаб турар эди. | Бир қимирлаб, силкиниб кўймоқ. Саидхоннинг .. учбурчак шаклидаги мошғуруч соқоли қалтиллаб олди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ҚАЛТИРАМА** I Қалтираб, тебраниб турадиган, қалтироқ, титроқ.

2 меъ. Ихтиёрсиз қалтирашдан, аъзонинг бирор ери ихтиёрсиз учиб туришидан иборат касаллик.

3 диал. айн. қоқшол II.

**ҚАЛТИРАМОҚ** I айн. титрамоқ. Совуқдан қалтирамоқ, Беморнинг қўллари қалтиралапти. Бўйида илати борнинг оёғи қалтирайди. Мақол. — Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бўрон зўрайди, тахтадан қилмиган иморат қалтираб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма, с. т. Ортиқ хасислик, зикналик қилмоқ, бахилларча титрамоқ. Бир тийин учун қалтирайдиган одам. — Қампир қалтираб-қалтираб қотма кафтида бир чимдим туз тутди. С. Нуров, Дурдона.

**ҚАЛТИРАНМОҚ** қалтирамоқ фл. ўзл. н. қам қўлл. — Сени .. сенга мумкинми, Рағно! — Мумкин! — деб қалтиранди Рағно. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**ҚАЛТИРАТМОҚ** қалтирамоқ I фл. орт. н. Безгак беморнинг вужудини қалтиратди. «Ура» садолари ер-кўкни қалтиратди. — Э худо, бу балоларни бошимиздан кўтар,— деди Рағно қўлларини қалтиратиб, юқори кўтариб. Жўрабев, Мулла Б. м.

**ҚАЛТИРАШМОҚ** қалтирамоқ фл. бирг. н. Оч қолган ёш-ёш гўдаклар дир-дир қалтирашиб йиғлашарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚАЛТИРОҚ** I айн. титроқ I. Уни қалтироқ босди. Бутун аъзойи баданига қалтироқ кирди. — Бекнинг вужудини қоплаб олган қалтироқ тобора кучаяр, қалбининг дуқиллаб уриши ўзига эшитилиб турарди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Бу зах хонада Адолатни қалтироқ босди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Умарқулни совуқ изғирин, қоронғилик, ваҳима, очлик ўраб олди, баданини қалтироқ тутди. О. Хусанов, Ҳаёт ишқи.

2 айн. титроқ 2. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мақол. — Бой аъзойи-баданидаги яраларнинг аламини тортаётгандай безовталаниб, яна қал-

тироқ қўллари билан чилимга ёпишди. Ҳ. Ғулом, Машғал. — Яхшимисиз, Ҳаётхон? — деди қалтироқ товуш билан йигит. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАЛТИС** I Алоҳида эҳтиёткорлик талаб қиладиган, нозик. Қалтис масала. Қалтис савол. — [Рашиан полвон] масала жуда қалтис эканини Жамоловдан ҳам яхшироқ тушуниб қолди. О. Ёқубов, Ларза.

2 Хавф-хатар билан боғлиқ бўлган, оқибати ёмон бўлиш эҳтимоли бор, хатарли. Қалтис қадам. Қалтис тажриба. Қалтис ҳазил. Қалтис ҳунар. Қалтис сийёсат. — [Майна] бу хатарли, қалтис сафардан асло чўчимади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Сен ҳозир Зокировнинг қошига югур. Унга ердлаши. Лекин эҳтиёт бўл, қалтис жойлар кўп. Ойбек, О. в. шабадалар. || Терговчи гапни қалтис бошлаб қўйганидан пушаймон бўлди. И. Қаландаров, Шохидамас, барғида.

3 Хал қилувчи, долзарб. Мана шундай қалтис маҳалда Саидий яна бир ёмон иш қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ Қалтис одам с. т. эҳтиётсизлик қилинса бирор шикаст етказиши мумкин бўлган одам. Қалтис еди с. т. лат еди, шикаст топди. Қўлим қалтис еди. Қалтис кетмоқ эҳтиётсизлик билан бирор оғир иш ёки гап қилмоқ. Ғуломжон, бошига тушган устма-уст кулфатлар изтиробига дош беролмай, қалтис кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАЛТИСЛИК** қалтис с. белги оти. Масаланинг қалтислиги. Аҳволнинг қалтислигини ҳисобга олмақ. Қимсаннинг қалтислигини пайқамоқ.

**ҚАЛТ-ҚАЛТ:** қалт-қалт титрамоқ (ёки қалтирамоқ) қаттиқ, зир-зир титрамоқ. Замира кутилмаган жанжалдан қалт-қалт титрар эди. П. Қодиров, Уч илди. Қалт-қалт қилмоқ айн. қалт-қалт титрамоқ Қўйлар .. очлик ва совуқдан қалт-қалт қилар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАЛЪА** [а] I тар. Душман хужумига қарши мустаҳкам девор ва хандақ билан ўралган, мудофаа воситалари, истеҳкомлар билан таъминланган шаҳар.

2 Катта бой-феодалларнинг сарой кўрғони; қаср, арк. Туробийнинг қалъасида тўққиз от чоптирим ердан кўринадиган битта терак бўларди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 диал. Шаҳар. Қанизларнинг кўпи турли қалъалардан олиб келинган ёш гўзаллар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Мингта қалъадан далам яхши, Охун. Бизнинг қизларимиз ҳам жуда шўх бўлади. Ойбек, Кутлуг қон.

4 кўчма юк. усл. Йшонч боғланган жой ёки нарса, таянч, таянчиқ, суянчиқ. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи — тинчлик қалъаси.

**ҚАЛЪАЧИ** тар. Шаҳарларга, хусусан, Россия шаҳарларига бориб савдо-сотиқ қилувчи йирик маҳаллий савдогар. [Йўдошбой] «қалъачи» сав-

догар бўлиб, майиз, ўрик ва бўз пахталик чопонларни Оренбурге, Қазали ва Оқмачит каби шаҳарларга олиб бориб сотиб, у томонлардан Россия молларини олиб келиб сотарди. Айний, Эсдалиқлар.

**ҚАЛҚИМОҚ** I Суоқликнинг бетида чайқалиб турмоқ ёки тебраниб оқмоқ. Қайиқ сувда қалқиб турибди. — Сув юзида қамши ғарамлар қалқиб сузар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Суоқликнинг остидан бетига кўтарилмоқ, юзига чиқмоқ. Суоқликнинг жисмга таъсир этадиган итарувчи кучи жисм оғирлигидан ортиқ бўлса, жисм қалқиб чиқади. «Физика». Сизнинг аввал сочингиз, сўнгга оқ кўйлагингиз кўринди. Ботиб, қалқиб келмоқда эдингиз. А. Умар, Мухтор. Йўл оғирлашди. Дам шўнғиб, дам қалқиб кетаялтиз. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 У ён-бу ён чайқалмоқ, тебранимоқ, силкинмоқ. Нуртуянинг устида қалқиб Ҳилпирайди «келин» чодир. Т. Тўла. Ердан кўтарилган чане-тўзон оғир-оғир қалқиди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Серкилламоқ, диркилламоқ. Назокат қора хонатлас кўйлак кийиб олган, қизил духоба нимчаси остидан тўла кўкраги қалқиб турарди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

4 Кўтарилмоқ, кўринмоқ, чиқмоқ (ой, қуёш ҳақида). Дарахтар ортидан ой қалқиб, секин сузиб кўтарила бошлади. Ойбек, Нур қидириб.

5 Утирган, ётган ўриндан турмоқ, кўпмоқ. Залда ўтирганлар оёққа қалқиб, овақия ясади. — Оптоқ дала, қир, Ой нури балқир, Тонг отар-отмас Битта қиз қалқир. М. Алави. Бутун отряд шовқин-суронсиз оёққа қалқиди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. | Бирдан сапчиб, ирғиб ўриндан турмоқ; сапчиб, ирғиб тушмоқ. Хон ўриндан қалқиб туриб, ҳеч кимга қарамай, ҳеч нарса демай, ўқдай отилиб ичкарига кириб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм. Наимий қалқиб тушиди, баданига титроқ югурди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Сузиб юрмоқ, силжимоқ; кезмоқ, Қуёш ботди. Аста-секин тоғ томондан этаклари пушти ранг, қора қўнғир булутлар қалқий бошлади. Ш. Холмирзаев, Оқ отли. Сузар булут ораларидан Қиё боқиб январь қуёши, Қалқир колхоз далаларидан. Ҳ. Пўлат.

7 Намоён бўлмоқ, кўринмоқ, сезилмоқ, юзага чиқмоқ. Юзидаги ғазаб сўниб, табассум қалқиди. С. Анорбоев, Оқсой. | Тўлғаниб, туғён уриб келмоқ. Неча бор дилидаги тилига қалқиб келди-ю, аранг ўзини тийди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. | Чиқмоқ, тошмоқ. Унинг баданига аллақандай қора доғлар қалқиган, иситмаси қиқиб ётибди. А. Мухтор, Туғилиш.

8 кўчма Иккилик бўлиб, на у ёқли, на бу ёқли бўлмай турмоқ; иккилан-

моқ. Мингбошининг бу тилёғламалиги мажлисининг қалқиб турган қисмини ҳам унинг томонида буриб қисорди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Унақа безазалик қилма. Халиги, анақа ишимда ўзим қалқиб турибман. Шунанга вақтда бировга қаттиқ гапириб бўладими? У. Рашид, Қудалар. Икки ўртада сўз қошиб вазият қалқиб турганда, ёшига ийгиш сўз сўради, кўпчиликнинг эътибори ўша ёққа бурилди. С. Маҳкамов, Гина.

9 диал. Қоқилмоқ, мункимоқ. У қалқиб йиқилди.

10 ай. ўқчимоқ. Бола сув ича туриб қалқиб кетди.

ҚАЛҚИТМОҚ қалқимоқ 1—3, 5, 7, 9, 10 фл. орт. н.

ҚАЛҚИШМОҚ қалқимоқ 3, 5 фл. бирг. н.

ҚАЛҚИҚ 1 Суюқлик бетиде чўкмай, қалқиб турадиган.

2 ай. қавариқ 2. Икки томони қалқик линза.

ҚАЛҚМОҚ ай. қалқимоқ.

ҚАЛҚОВИЧ ай. сузгич 11.

ҚАЛҚОН 1 Қилич, найза ва ш. к. зарбидан сақланмиш учун қўлландиган доира ёки тўртбурчак шаклидаги химоя қуроли; сипар. Чор ҳоким эмасман, Чамбилгадир хон, Азаматга бердим карк тери қалқон. «Равшан». Саидийнинг кўз олдига гижингалаган араб отлари, найза-қалқонлар келиб, қулоғига кураш ва қондан хабар берувчи товушлар эшитилиб кетди. А. Қаххор, Сароб.

2 кўча Офат, бало, кўнгилсиз ходисалар ва ш. к.дан сақловчи восита; тўсиқ, ғов. Кум балосига, гармсел балосига нима қалқон — дарахт қалқон. Ойбек, О. в. шабадалар. Низомулмулк .. сизнинг зарбангизга қалқон қидириб, ўзини у томонга яқинроқ олиб юрибди. Ойбек, Навоий. | Ҳимоччи, ҳомий. Сизни тирик деб кўз тиккан кезларимда, номингиз қалқоним эди. Т. Жалолов, Олтин қафас. Нигора ўзининг бахти учун қалқон бўлган Шербекнинг кўкрагига бош қўйди. С. Анорбоев, Оқсой. Қўкрагини (ёки кўксини, бағрини, ўзини) қалқон қилмоқ жонини ҳам аямай қўриқламоқ, кўксини тутиб химоя қилмоқ, даф этмоқ. Бермагил ёвузларга бир дақиқа хушнудлик, Гул Ватаннинг мард ўғли, кўкрагини қалқон қил. Ғайратий. Вақтида гашитини сурган, вақти келганда турли-туман офатларга кўксини қалқон қилган. О. Махмудов, Машғалларимиз ёрқин порласин.

ҚАЛҚОНСИМОН Қалқонга ўхшайдиган, қалқон шаклидаги. Қалқонсимон без (анат.).

ҚАЛҚОНЧА 1 қалқон с. кичр.

2 зоол. Қўнғиз ва шу каби хашаротлар қанотининг қаттиқ пластинкаси. ҚАЛҚУВЧАН Ботирилганда қалқиб чиқарадиган, қалқиб турадиган, ботмайдиган.

ҚАМАЛ Қарши томон қўшинлари,

истехком ва ш. к.ни лашкар билан ўраб олиш; блокада, қуршор, муҳосара. Қамал ҳолати. Шаҳарни қамал қилмоқ. Душманни қамалга олмоқ. Қамалда қолмоқ. Қамалдан чиқмоқ. — Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва энг ози қишлоқлардан муносабатни узиб туриши, албатта Тошкентни бўлдириб қўйган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Иқтисодий қамал иқтисодий блокада.

ҚАМАЛИШМОҚ қамалмоқ фл. бирг. н. Полициялар, миришлар яна уйларига қамалишиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚАМАЛМОҚ 1 қамалоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Турмага қамалоқ. Ун йил муддатга қамалди. — Отабек Марғилон ҳокими тарафидан қамалди. А. Қодирий, Утган кунлар. Келинойи, акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас ё бировнинг ҳақини еган эмас. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор жойга кириб, эшикларни бекитиб олмоқ ёки шу ерда яшириниб ётмоқ. Кўёвнинг қаёқда экинчи ҳеч ким билмайди. Келин уйга қамалиб олган. А. Қаххор, Тўй. | Ташқарига чиқмай босим ўтирмоқ, ётмоқ. Қарилк орқасида кўздан қолиб, икки-уч йилдан буён уй ичига қамалган қайната. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ичкари кириб ёки илиниб, тутилиб чиқа олмай қолмоқ, тутилмоқ, тушмоқ. У ичига катта оқ қаламуш қамалган қопқонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек гўнғиллади, оёғи қалтираб мажолсизланди. С. Аҳмад, Хукм.

4 Атрофи ўралган жойга кириб, тўпланиб қолмоқ. Уйга қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда. — Деразадан кириб эшикдан чиқаётган шамол .. унинг оплоқ сочини силар, .. узун энгларига қамалиб пуфлаб шиширар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАМАМОҚ 1 Озодликдан маҳрум қилиб қамоқхонага ёки бошқа бирор қамоқ жойга ташламоқ, қамоққа олмоқ. Турмага қамалоқ. Авахтига қамалоқ. Беш йилга (беш йил муддат билан) қамалоқ. — Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса Қудрат акани қамаламаган бўлса, аҳолини қўрқитмаслик, ишдан совутмаслик учун қамалаган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Нима қилсан, милицияга бориб ё мени қаманглар, ё оқланглар, десинми? С. Аҳмад, Хукм.

2 Атрофи ўралган жойга ҳайдаб киритмоқ, ҳайдаб киритиб, бекитиб қўймоқ. Товуқларни товуқхонага қамалоқ. — Ёйишга жойи бўлмаган хўжаликларгина молларини оғилхоналарга қамал боқадди. С. Анорбоев, Оқсой. | Тутқинликка солмоқ, тутмоқ. Сархон пашинани қафтига қамал, муштини Саидийнинг қулоғига тутди. А. Қаххор, Сароб. | с. т. Берк жойга тиқиб қўймоқ, берк жойга тиқиштириб

сақламоқ. Нарсаларни оморга қамалоқ.

3 с. т. Дам бермоқ, дамламоқ. Қамарага ҳаво қамалоқ.

ҚАМАР [а] 1 кт. ай. ой 1. Буқун коинотда Шаме подшо, Қамар вазира, дир. Ойбек, Навоий.

2 Қамар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҚАМАРИЯ [а] кт. Ойнинг иккита бир хил фазаси, мас. Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби (Қамария ҳисобида, йил, шамсия ҳисобидан деярли 11-сутка қисқа. Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, раббуллаввал, раббуссоний, жумодаввал, жумодиссоний, ражаб, шабон, рамазон, шаввол, зулқайда, зулҳижжа).

ҚАМАТМОҚ қаматоқ фл. орт. н. Жиноятчини тутиб қаматмоқ.

ҚАМАТТИРМОҚ қаматмоқ фл. орт. н. Агар менда кўёв бўлиб, у шундай жиноятга қўл урса, мен йўлаб-нетиб ўтирмай, қаматтириб юборар эдим. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚАМАШМОҚ 1 қамашмоқ фл. бирг. н. [Баҳром:] Мендан кейин онамни қамаштипти. Кампир турмада .. қазо қилибди. Синглим дом-дарақсиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ҚАМАШМОҚ 2: тиш қамашди нордон нарса чайнаш натижасида тишлар безиллаб қолди. Қўз қамашди 1) ўткир ёруғлик таъсирида кўз тинди, кўз кўрмайдиган, ажратолмайдиган бўлиб қолди. Проекторларга қараб кўзим қамашди. — Тик кўёш тўғларидан кўзи қамашган чол .. чавандозлар келётган томонга югурди. Ҳ. Фулом, Машғал; 2) кўз жимирлашади; кўриб ақл шошади. Табиий, ҳаммадан Нурининг уйи ҳашаматли, қимматли жиҳозлар билан мазавиндай ястилган; кўрган одамнинг кўзи қамашади. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚАМАШТИРМОҚ: тишни қамаштиради нордон нарса чайнаш тишни безиллатиб қўяди, безиллатади. Хом олма тишни қамаштиради. Кўзни қамаштиради 1) ўткир ёруғлик таъсири кўзни тиндиради, кўрсатмайдиган, ажрата олмайди қилиб қўяди. Шуълар кўзни қамаштиради, ундан берилгандаги паст-баландликларда душман ҳаракатини кўришга ҳалақит беради. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) кўзни жимирлатади; лол қилдиради, ақлни шоширади. Мирзақаримбойнинг ҳовучига сизмаган бу қимматбахо безаклар кўзни қамаштиради. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚАМИЧ с. т. Қамиш.

ҚАМИШ Бардигуллар (қиёқсимонлар) оиласига мансуб, сувда, ботқоқликда, тўқайзорда ўсадиган бўғим-бўғим узун пояли ўсимлик. Қамиш ўрмоқ. | Шу ўсимликнинг ўрилган пояси ва унинг чўпи. Қамишдан бўйра тўқимоқ. || Қамиш най. Қамиш том.

■ Кейин бир парча қоғоз олиб қамиш қаламни қитирлатиб ёза боилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шакар қамиш қ. шакарқамиш.

◆ Қамишдан бел боғлаб сидқидил билан, астойдил. Қамишдан бел боғлаб хизмат қилмоқ.

**ҚАМИШЗОР** Қамиш ўсадиган жой, тўқай, тўқайзор.

**ҚАМИШЗОРЛИК** Қамишзор жой, қамишзор.

**ҚАМИШИТ** [р камышит] бнк. Қалин қамиш плита. Қамишит солиб том ётмоқ.

**ҚАМИШҚУЛОҚ** Кулоқлари узун ва чмирилиб, диккайиб турадиган (от ҳақида).

**ҚАМОҚ** 1 Озодликдан маҳрум этилган кишилар, маҳбуслар, жиноятчи ва ш. к. қамаладиган жой; қамоқхона, турма.

2 Шундай жойга қамалган кишининг ҳолати. Қамоққа олмоқ. Қамоққа тушмоқ. Қамоқда ётмоқ. Қамоқдан чиқмоқ. ■ Акамни шунча йил ишлашиб, ҳақини бермадиниз. Энди қамоқда чиритмоқчимисиз? Ойбек, Қутлуғ қон. У [Қудрат] қамоқда яна ҳам тиниқиб, революцион руҳи яна ҳам тиниқиб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Шундай жойга қамаб жазолаш. Хотин кишини урган, унинг озодликка чиқишига қарши бўлган одамни совет қонуни қамоққа буюради. А. Қахқор, Қўшчиноқ.

**ҚАМОҚХОНА** Қамоқ жойи; қамоқ, турма. Қамоқхонада ётмоқ. ■ Обхоналар .. Бухоронинг энг мустаҳкам қамоқхонаси эди. Айний, Дохунда.

**ҚАМРАМОҚ** 1 Атрофлаб ўраб олмоқ, қуршамоқ. Шаҳар атрофини ўрмон қамраган. Душман истеҳкомини қамраб олмоқ. ■ Коса кўтарган хотин-халаж қозон атрофини қамраб олди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Ёйлиб, тарқалиб маълум жойни эгалламоқ; босмоқ, тутмоқ, қопламоқ. Ёнгин бутун уйни қамраб олди. ■ Кеча гупилаб қор ташлади, бугун унинг қора соғуғи ҳамма ёқни қамраб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Розикнинг аъзойи баданини яна ўлим даҳшати қамради. С. Анорбоев, Оқсой. | Ҳўзига тортмоқ, жалб этмоқ. Сўхатга ҳеч алоқаси йўқдек туюлган ҳикоя бора-бора ҳамманинг эътиборини қамраб олди. Й. Шамшаров, Боббон.

3 Ҳўзда мужассамлантирмоқ, акс эттирмоқ, ифодаламоқ; ўз ичига олмоқ. Жуда катта давр тарихини қамраб олган асар. ■ У [Навой] мингаларча йилги маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди. Ойбек, Навоий. Коммунизм сари қилмоқда хитоб Ҳўлас ғояларни қамраган сўзлар. Э. Раҳим.

**ҚАМРАМОҚ** қамрамоқ фл. орт. н. **ҚАМСАМОҚ** диал. Қамрамоқ.

**ҚАМТИ** рвш Юзма-юз, бақамти. Қамти қелмоқ. ■ Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти

чиқариб қўйди, уч киши қамти ўтириб манти тановул қилдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ана шу оқпадарга қамти келиб қолсам бўладими? Ойбек, Болалик. **Қамти қилмоқ** (ёки қўймоқ) юзма-юз, бақамти қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ. **Мактабдаги одатини қилиб, болани уйда ота-онасига қамти қилиб сўзлашдим.** Х. Назир, Ҳўлар туташганда.

**ҚАМЧИ** От-уловни уриб юришга ундаш учун ишлатиладиган дастали, кўпинча қайиш тасма шаклидаги асбоб. **Урма қамчи.** От ўйнатадиган узун қамчи. ■ Раис отига қамчи уриб, идора томон кетди. Ойдин, Юрагида ўти бор. **Қамчи босмоқ** (ёки солмоқ, бермоқ) қамчи билан урмоқ. **Йўлнинг юз-кўзи аралаш яна қамчи солди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Асқар ота беихтиёр отига қамчи босди, яна бошини тортди.** А. Қахқор, Хотинлар. **Қамчи ўйнатмоқ** қамчи кўрсатиб қўймоқ, қамчи билан пўписа қилмоқ. **Қамчисидан қон томган жуда ҳам эолим, шафқатсиз. Қамчисидан қон томмаган бой бой эмас.** Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. | Шундай асбоб зарби. **Қамчи емоқ, Яхши отга бир қамчи, ёмон отга миғ қамчи.** Мақол.

◆ **Қамчи** соч чиройли ўрилган узун соч. **Шоҳида бўлса, узун қамчи сочларини кўкрагига ташлаб, рўпарамга ўтирди-да, теғарак-атрофа завок билан назар ташлай бошлади.** М. Жабборов, Севинч ёшлари.

**ҚАМЧИЛАМОҚ** 1 Қамчи билан урмоқ, саваламоқ. **Ғузор томондан оқ саллали кимдир биров от қамчилаб, иштов билан келарди.** Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Уғли ёнига юғуриб бориб, уни қамчилай бошлади.** М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

2 **Қўйма** Сўз билан урмоқ, қаттиқ танқид қилмоқ, пўстагини қоқмоқ. **Машҳур фитначи Муҳаммад Жамол чиқиб, хўп қамчилади бизни ва бизни.** Ойбек, Нур қидириб.

3 **Қўйма** Қўстамоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ. **Танерикул ҳожи қўлидаги бутун воситалар билан ерни қамчилаб кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилар эди.** А. Қахқор, Қўшчиноқ.

◆ **Отни қамчиламоқ** зудлик билан, фурсатни қўлдан бермай ҳаммадан олдин ҳаракат қилмоқ, тезламоқ, тезлатмоқ. **Иш кўп, вақт оз — отиңени қамчила.** ■ **Узим кўзатиб қўйдим.** «Қувонаверинг!» демоқчи бўлиб, анди оғиз жуфтлагаң ҳам эдики, онаси яна отини илгарироқ қамчилаб қолди. В. Ғофуров, Вафодор.

**ҚАМЧИЛАНМОҚ** қамчиламоқ фл. мажж. н.

**ҚАМЧИЛАТМОҚ** қамчиламоқ фл. орт. н.

**ҚАМЧИЛАШМОҚ** 1 қамчиламоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бирини қамчи билан урмоқ, ўзаро қамчи солиб савашмоқ. **Қорахон қайтмайди навбат олади, Гоҳ ерларда**

қамчилашиб савашиб, Кўп хархаша қилар ақли шошиб. «Алпомиш».

**ҚАМЧИН** с. т. Қамчи.

**ҚАМҒОҚ** Шарсимон юмалоқ ўсадиган, уруғи пишганда илдиз бўғиздан узилиб, шамол билан узоқ-узоқларга думалаб кетадиган майда тиканли чўл ўсимлиги; шўрак. **Янтоқ ўзини боғ билади, қамғоқ ўзини тоғ билади.** Мақол.

**ҚАНАҚА** с. т. Қандай. **Бу қанақа гап?** ■ **Отини эшитаман ҳолос, қанақа одам, билмайман.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАНАҚАНГИ** с. т. Қандай. **Сен ўзинг қанақангги одамсан?**

**ҚАНАҚАСИ** сўр. олми Қайси бири?, қайси хили?, қандай? **Бу газмоллардан қанақаси сенга ёқади?**

◆ **(Бу) қанақаси (бўлди)?** таажжуб воқеа, ҳодиса ва ш. к. юз берганда айтиладиган ибора (кўпинча истеҳзо билан айтилади). **Сўрамай кетаверибсиз, бу қанақаси бўлди? Ёз чилласида ёмғир ёғаяпти, бу қанақаси бўлди?**

**ҚАНАҚАСИГА** рвш, с. т. Қандай, қандай қилиб, қай йўсинда. **Қанақасига яшасанг, яшайвер.** У дарёдан қанақасига ўтади?! ■ **Пешанамга ёзган бўлса, сизларга нима!** [Ҳожар:] **Ҳа, қанақасига ёзар экан у кулваччани.** Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ҚАНД** [ф-т] Соф шакар моддасидан, шакардан тайёрланадиган маҳсулот; ширинлик. **Чақмоқ қанд. Оқ қанд. Қала қанд. Қанд заводи. Қанд ушатмоқ. Қанд билан чой ичмоқ.** Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг. Мақол. **Қанд чой қанд** ёки шакар кўшилган ширин чой. **Палатамизга қайтдик. Ҳожи ака қаравотида ён-бошлаб, қанд чой ичиб, ўзини елиб ётар эди.** А. Қахқор, Минг бир жон. **Ҳўроз қанд қ. хўрозқанд.** [Самандаров] **чўнтагидан иккита хўроз қанд чиқариб болага берди.** А. Қахқор, Қўшчиноқ.

◆ **Қанд касаллиги** с. т. Диабет. **Қандингни ур!** ёки **қандингни е!** таҳсин-офарин маъноларини ифодалайдиган ибора; балли, баракалла. **Қандингни ур, юлдузларинг жуфт тушган бўлса-чи, одам боласи сенларни ажрата олмас!** Ойбек, Қутлуғ қон. [Ғофир ака] **кўпчиликка етакчи, катта-кичikka баравар, қандини есин!** Н. Мақсудий, Ҳумидли бола.

**ҚАНДА** эск. кт. Қаерда, қаёқда. **Ухлаб қолиб бўлдим банди, Қолдим юз туман армонда. Банди бўлмадим майдонда, Мендай банди бўлди қанда?** «Равшан».

**ҚАНДАЙ** 1 сўр. олми Белги, сифат, хусусият ҳақидаги сўроқни билдиради; қанақа? **Бу қандай китоб? Қандай овқатни хоҳлайсиз? У қандай иш билан банд?** ■ [Ёрмат:] **Қандай беда денг, боғи қучоққа сиғмайди.** Ойбек, Қутлуғ қон. | **Қалай. Аҳволинг қандай?**

2 **нисб. олми** Қай хилдаги, қай тарздаги; қанақа. **Кувё учун қандай**

кийим ярашмоғи ҳам баҳс қилинар. А. Қодирий, Утган кунлар. Капитан жангчиларни ном-баном чақириб, ким қандай қуролни ўрганмоқчи эканини сўради. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Э, онажонгинам, қани энди сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўглингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

3 белг. олмиш Белги, сифат, хусусият ҳақидаги сўроқни таъкидлаб, ку-чайтириб келади. Қандай дилбарсан? Бу қандай бахт! Бу қандай муомала! Бу қандай кулфат! — Оҳ, кўрсанг энди, бир кувени! Қандай чиройли, қандай ақлли эканини билар эдинг, бекачим! А. Қодирий, Утган кунлар.

4 рвш Қай тарзда, қай йўсинда. Луғат қандай тузилади? Бу перо қандай ёзади? Шунча ишни бир ўзинг қандай бажарасан? Қандай қилиб қайси йўл билан, қай тарзда, қайси йўсинда. Қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз? — Сиз Олтин юлдузни қандай қилиб олгансиз? Шунга айтиб берсангиз. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Қай даражада, қай шаклда. Биз радиоактив моддаларининг фўзалардаги тирик тўқималарга қандай таъсир қилишини аниқлашга миясар бўлдик. «Фан ва турмуш», 1959, № 10. | Риторик сўроқда бўлишсизликни билдиради. Бу гапга қандай ишонаман. — Қилсан Мирзакаримбой, таги наст, қашшоқ қизга уйланса; мен қандай чидайман! Ойбек, Қутлуғ қон.

5 с. т. «ган, «да қўшимчасини олган феъллардан кейин келиб, берилган саволга ижобий жавобни бўрттириб, таъкидлаб ифодалайди. — Бу фильми кўрганмисиз? — Кўрсанг қандай. Шу китоб қизиқми? — Қизиқ бўлганда қандай дейсиз!

◆ Қандай бўлмасин (ёки бўлса ҳам) 1) қандайдир, қанақа бўлмасин, бари бир. Энди у [Нури] Фазлидиннинг ҳамма сифатларида, қандай бўлмасин, бир камчилик кўра бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) қанчалик оғир, қийин бўлса ҳам; нима (қилиб) бўлса ҳам, илож топиб. Қандай бўлмасин, эртага келишинг керак. Қандай қилай на қилай, нетай, нима қила олар эдим, на чора. Энди қандай қилай, бўлар иш бўлган. — Қандай қилай, ўртоқжон, ўзимга қолса шундоқ бўлсин дебманми. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

КАНДАЙДИР гум. олмиш Қандайлиги ёки кимлиги номаълум, белгисиз, сифати хусусияти у қадар аниқ бўлмаган; аллақандай. Қандайдир шаҳар. Унинг қандайдир иши чиқиб қолибди. Қандайдир бир киши сизни сўраб эди. — Бир парча қоғознинг юзига қора, қуюқ сиеҳ билан ўнг-тескари, қандайдир ҳарфлар ёзилган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қайсилиги номаълум, қайси бирлиги у қадар аниқ бўлмаган; аллақайси. Ҳакимбойваччанинг ақин дўстларидан бир киши, қандайдир бир ўтиришда Мирзакаримбойга орқаворатдан тил тегизганини эши-

тиб, у билан узоқ замон олишган. Ойбек, Қутлуғ қон.

КАНДАК [ф-т]: қандак ўрик у қадар йирик бўлмайдиган, кам сув, аммо сершира, тўқсариқ-қизил рангли ўрик нави. Болагининг боласи — қандак ўриқнинг донаси. Мақол.

КАНДАЛА Одам ва ҳайвон қони ёки ўсимлик шираси билан озикланувчи паразит ҳашарот. Ўсимлик қандаласи. — Билсам, қандала деганлари тахта қанаси экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

КАНДАЛАТ с. т. Қандолат.  
КАНДАҚА с. т. Қандай. Э, қандақ хотин бу, бирөөнинг уйига бо-стириб кирди! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

КАНДАҒОЧ Оқ қайинлар ояласига мансуб бўлган баргли дарахт ёки бута.  
КАНДАЙ, «дек 1 Қанд каби, қандга ўхшаш. Қанддай ширин мева. Қовун қанддай чиқди.

2 кўчма с. т. Жуда яхши, кўнглидагидай. Икки танобгина ер олсам, оз бўлсин, саз бўлсин дегандай, қанддай иш қилар эдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 рвш, кўчма с. т. Нақд, мўмай қилиб; қуртдай. Пулни қанддай қилиб (санаб) олди.

КАНДОН [ф-т] Қанд, шакар солиб қўйиладиган махсус идиш.

КАНДИЛ [а < грек] 1 Бир неча шам ёки лампочка қўйиладиган оёқли ёки осма чироқ; чилчироқ, люстра. Деворий қандил. Осма қандил. — Олтин қандилдаги элликлар шамларнинг нури: уйга бир ҳаёлийлик берар эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Анна туриб девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампани қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга туйди. П. Қодиров, Уч илдиш. Иссиқ гулли кийиб олган шoir шилпанда ўтириб, олдидаги хонтахта устига бир қоса булоқ суви қўйиб, қандил ёруғида ишлайди. М. Осим, Зулмат ичра нур.

2 Олма навларидан бирининг номи.

КАНДИМ Қумда ўсадиган бута, ўсимлик. Улар [Мунаввар билан чўпон] кун ёйилган бир пайтда қандим буталари билан қопланган қум тепадан ёнлаб ўтаётди, бир ўтов, бир чайлага дуч келишди. — С. Анорбоев, Мехр.

КАНДИН [ф-т] Сершира, сершакар, ширин. Қуюқ қандин нишолда ликопчалар, жонон пиданлар .. ичкарига, ташкарига кета бошлади. А. Қаҳҳор, Сароб.

КАНДИИ Қанди бор, қанд солинган, ширин. Қанди чой.

◆ Қандли диабет айн. шакарли диабет қ. диабет.

КАНДОЛАТ 1 Ун ва қиёмдан ўртасига мағиз ёки қовурилган дўжат солиб тайёрланган юмалоқ-юмалоқ ширинлик.

2 Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари, маҳаллий ширинликлар, қанд-қурслар.

КАНДОЛАТФУРУШ Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкондор. Дўкондорлар савдо бўлмагани учун қўйиниси билан эри-нибгина суҳбатлашиб ўтиришади, қандолатфуруш хира нашилларни ҳаф-саласизлик билан қўйишди. Нурмон, А. Шорахмедов, Ота.

КАНДОЛАТЧИ Қандолатлар ва умуман маҳаллий ширинликлар тайёрловчи хунарманд, шакарпаз. Шаҳарда машҳур бўлган бир қандолатчи, .. ўз қўли билан тўйга нишолда ҳозирлайди. А. Қаҳҳор, Сароб.

КАНДОК с. т. Қандай, Қандоқ қилай, энди не чора? Э. Диёр. Хотир-жам бўлганда қандоқ, тақсир! Х. Ғулом, Машғал.

КАНД-ҚУРС Қанд, новвот, пашмак, конфет каби ширинликлар. Ра-таларда ёнғоқ-майизлар, қанд-қурслар тоғ-тоғ уйиб ташланган. С. Анорбоев, Оксой. Темиртош ҳам кеча қалдиғи Менглиойнинг янғасига иккита ироқи совун, упа-элик олиб, янги рў-молчасига қанд-қурс туюиб, қош қорайганда борган эди. М. Осим, Утрор.

КАНЖИР Кўнғирлар туркумига мансуб, дарё, кўл ва ш. к. сув ҳав-заларида яшовчи қуш.

КАНЖИ(Р)ГА [мўғ] Юк ва бошқа нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган тасма, боғич ёки илгак. Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итти адашиб кетишидан кўрқиб, эш-кининг қанжигасига боғлаб олан экан, бўлмаса пок титиғимни чиқарар экан. Ғ. Ғулום, Шум бола.

КАНЖИК 1 Итнинг модаси, урғочи ит.

2 сўқ. Бузуқ, фохиша — Ҳақорат қилди сени .. унақанги қанжиқ ҳар муюшда топиллади, — деди [Қилсан]. А. Мухтор, Тугилиш.

КАНЖИГА қ. қанжи(р)га.

КАНЗИМОҚ Оби-тобидан ўтиб, қо-тиб қолмоқ (хамир ҳақида).

КАНЗИТМОҚ қанзимок фл. орт. н.

ҚАНИ 1 сўр. олмиш Қўздан гоёиб, йўқ бўлган ёки номаълум ерда қолган қимсаннинг, нарсанинг қаердалиги ҳақидаги сўроқни билдириб келади. Болалар қани? Портфелинг қани? — Нега вақтсиз келдинг? Отабек қани? А. Қодирий, Утган кунлар. | Сўроқ ёки ун-дов гапда афсус, таажжуб каби маъ-ноларни билдиради. Тўй қани, никоҳ қани, ота-онаси қани, уйи қаерда? — ҳаммаси ёлғон экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚАНИ II унд. с. Қисташ, ундаш, даъват маъноларини ифодалайди. Қани, тезроқ бўл, кечкиб қоламиз! Қани, гапир! — Қани, яна ичиб, он-дан катта-катта олинг. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Қани, бирон одам бўлса, айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурматжонга ух-шаган йигитдан яна биронга топилар-микан? А. Қаҳҳор, Қизлар. | Дўқ-пўлиса маъносини кучайтиради. Қани, бормай кўр-чи!



◆ Қани энди кири с. қандай яхши бўлар энди. Қани энди, ҳар бандай мўминга Деҳқонбойдай кўёву сиздай қайнага насиб қилса! А. Қаххор, Янги ер. Қани энди, вақтим ва имкониятим бўлса. Авази тоқчаларни ҳам китоб билан тўйдирар эдим. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

**КАНОАТ** [а] 1 Озга ёки борга кўниш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик билан кўнга, ортикчалikka интилмаслик. Қамбағални сабри-қаноат асрайди. Қаноат қилмаса, шармандалиги ортади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Розилик. Муталга раисликни бериб ўзи муовинликка қаноат билдирган чоғларида, Рашиан полдон Муталдан умиди бошқа эди. О. Ёқубов, Ларза.

2 Мамнунлик, хурсандлик, мамнуният, қониқиш. Почтаев ҳамманинг фақат ўзига қараб қолганини ичида қаноат билан қайд қилиб, Жуманга ер остидан «қалайсан?» дегандай бир назар ташлаб қўйди. А. Мухтор, Туғилиш. Заргаров қийқариб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай, ўрнидан туриб ўйинга тушиди. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. Қаноат ҳосил қилмоқ (ёки этмоқ) 1) қониқарли деб топмоқ, қониқмоқ, қаноатланмоқ. Ғуломжон жавобдан қаноат ҳосил қилмади, лекин гап талашиб ўтиришни ҳам лозим кўрмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) рози бўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ, қонмоқ, Унинг гапидан ҳаётга тўймаганлик, ўтган умридан қаноат ҳосил этмаганлиги кўришиб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар; 3) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ. Бояги сўзларни тушида эмас, ўнгида эшитганига қаноат ҳосил қилгандан кейин сўради: — Сиз Раззоқни биласизми, ўғлим? Ҳ. Ғулом, Машъал. | кам қўл. Ором, тинчланиш. Худойи кулча, худойи ошлар улашилди. Очларнинг қорни бир оз қаноат топди. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

3 Ишонч, ишонич. — Бу сиригингни мендан яширмоқчи бўласиз, — деди талмон қаноат билан Ҳасанали, чунки энди ўз кашфида жуда ишонган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КАНОАТЛАНАРЛИ** Қаноат ҳосил қилса бўладиган, қаноатлантирадиган, қониқарли. Қаноатланарли жавоб. Месткомнинг иши қаноатланарли деб топилсин. Қаноатланарли баҳо.

**КАНОАТЛАНАРСИС** Қаноатланиб бўлмайдиган, қаноатлантирмайдиган; деярли ёмон, қониқарсиз. Қаноатланарсиз жавоб. || Қаноатланарсиз иш-ламоқ.

**КАНОАТЛАНМОҚ** 1 Озга, бориға қаноат қилмоқ, бори билан кифояланмоқ, қониқмоқ. Қичкина декка қайнашиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўқондорлар орасида у сал кунда «хўрда махсум» деб лақабланди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қаноат ҳосил қилмоқ, қониқарли деб топмоқ; мамнун бўлмоқ, рози бўлмоқ, қонмоқ, қо-

ниқмоқ. Ҳаётдан қаноатланмаган одам. — Қаноатландингизми? — Тушунман, — деди Элмурод. — Мен оз билан қаноатланаман. Боғи эрам менинг ёлғиз бошимга нимага керак? Қўнчиликка бўлсин. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

2 Чекланмоқ, кифояланмоқ. Элмурод эшон билан оқсоқол ўртасидаги диний муносабатга аралашини лозим кўрмади. Фақат завқли кулги билан қаноатланди. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

**КАНОАТЛАНТИРАРЛИ** Қаноатлантирадиган, қониқтирадиган, мамнун қиладиган. Турдиев қанча ўйламасин, охирига етмади. Ҳўзини қаноатлантирарли жавоб тополмади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАНОАТЛАНТИРМОҚ** қаноатланмоқ фл. орт. н. Жавобингиз мени қаноатлантирмади. — Бу иш Сувоңқулни асло қаноатлантирмагач, ариза бериб, колхоз ддлачилик бригадасига ўтган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Анвар зерикмас, ҳар бир сўроққа жавоб бериб, Раънони қаноатлантиришга тиришар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**КАНОАТЛИ** Озга, бориға қаноат қиладиган, кўп талаб қилмайдиган; сабрли. Қаноатли киши. — Афанди, — «эшак ҳам қаноатли бўлар экан», — деб унга ем бермай қўйди. «Латифалар».

**КАНОАТСИС** Озга, бориға қаноат қилмайдиган, кўп талаб қиладиган; чидамсиз.

**ҚАНОР**, қанор қоп Катта қоп. [Мажон] тепани ўнгаргандай, Орқалар қанорларни. Машинасига жойлар Тоғ каби хирмонларни. Қ. Муҳаммадий. Катта қанор қопларга тиқиб солинган пахталар араваларда ўрлаб ётарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАНОРА** Гўшт осиб қўйиладиган бир неча илгакли мослама; чангак. Семиз қўй ўзини қанорада кўрар. Мақол. — Қассоб дўқони олдидаги қанорада уч-тўртта гўнқарга .. саркайди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҚАНОТ** 1 Қуш ва хашаротларнинг учуш органи. Ғўзнинг қаноти. Қалдирғочнинг қаноти. Қапалакнинг қаноти. Паишанинг қаноти. Қуш қаноти билан учиб, қўйруғи билан қўнар. Мақол. — Қарчиғай болалари қанот чиқарди-ю, узоқ-узоқларга учди. П. Турсун, Ҳўкутувчи. Нозик ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини ишишага уриб, тинирчилар, гиламга енгилгина кулаб, тинар эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Қанот қоқмоқ 1) қанотларини силкитмоқ ёки бири-бирига, ёнига уриб тап-тап овоз чиқармоқ. Том орқасида хўроз қанот қоқиб, қичқирди. А. Қаххор, Анор; 2) қанотларини силкитиб учмоқ, парвоз қилмоқ. Шийпоннинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, иғнчилар қанот қоқар, асаларилар гўнчиллар, аллақерда ғуррак ғуриллар

эди. А. Қаххор, Картина; 3) кўчма елдай, қушдай учмоқ. Йўлчибой бизникка келса ёмон бўладими? .. Йўлчини албатта келтираман. Ҳўзи ҳам қанот қоқиб келар. Ойбек, Қутлуғ қон. Қанотини қайирмоқ (ёки синдирмоқ) жисмоний ёки маънавий шикаст етказмоқ, ишдан чиқармоқ. [Жамила:] Қуш эдим, — қанотимни қайирдилар, гул эдим — булбулмдан айирдилар. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Қанотимни қайириб, Туққан элдан айириб, Ташладилар зиндонга, Бошладилар ҳижронга. Ё. Мирза.

2 Самолётнинг ердан кўтарилиб, ҳавода муаллақ туриш учун хизмат қиладиган қанотсимон ёйиқ қисми.

3 Автомобиль, велосипед каби машиналар гилдираги устига лойдан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган мослама. [Йигит] олдинги қаноти синиб қолган «Зиф» велосипедини секингина ҳайдаб келаяпти. Ш. Отамуродов, Кўнгил.

4 Эшик, дераза ва ш. к.нинг тавақаси. Юнусов деразанинг қанотларини очиб кесакисига қулочини ёзганча туриб қолди. Қ. Мақсудов, Мажлисдан сўнг. Майна бир қаноти қия очиқ эшикдан ичкари кирди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Ёйиқ, чўзиқ нарсаларнинг бирор томони, ёни, чеккаси. Бинонинг сўл қаноти — эшик олди баланд айвон. А. Қаххор, Янги ер. [Нисора] президиум столининг ўнг қанотиға бориб тўхтади. С. Анорбоев, Оқсой.

6 Зина, кўприк ва ш. к.нинг ёнига ўрнатилган тўсиқ; панжара. Маҳкам зинапоёга қараб чопди ва унинг силлиқ ёғоч қанотидан ушлаб, учинчи қаватга югуриб чиқди. П. Қодиоров, Уч илдрз.

7 Ҳарб. Ёйиқ жойлашган қўшинларнинг, фронтнинг ўнг ёки сўл томони; фланг. Мирзо Ёдгорнинг ўнг ва сўл қанотлари каттиқ шикаст еб, бутунлай бебош-бетартиб қочмиша юз тутган эди. Ойбек, Навоний. Ҳўне қанотда тураан автоматчилар, ўқчилар бирдан кўтарилиб олдинга ташландилар. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

8 Кўчма сиёс. Бирор ташкилот ичида энг революцион ёки энг реакцион ғояларни олға сурувчи группа. Биз конференцияда сўл қанотни тўздик ҳамда ўз резолюциямизни ва манифест проектини тақдим қилдик. В. И. Ленин, «Социалистик пропаганда лигаси» секретарига.

9 Кўчма Суянчиқ; кўмакчи. Ёрим бўлса, қанотим дейман. Сайёр. У [Низомжон] Икромжонга ўғил бўлди. Унинг кўш қаноти бўлди. С. Аҳмад, Уфқ.

◆ Қанот бағишламоқ (ёки бермоқ) куч, ғайрат бағишламоқ; далда, мадад бермоқ. Юрагининг аллақерда учкунланаётган умид унга қанот бағишлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қанот ёймоқ (ёки ёзмоқ) 1) айн. қулоч ёзмоқ қ. қулоч 1. Янги ҳаёт



қанот ёймоқда. — Ҳар уйда тўй, ҳар ерда шодлик, Шодлик қанот ёйибди сўнесиз. Т. Тўла; 2) шохламоқ, шох отмоқ. Қабристоннинг чинорлари, сада қайрағочлари қанот ёзиб таноб-таноб ерни қоплаб ётибди. И. Раҳим, Ихлос. **Уз қаноти остига (ёки тағнига) олмоқ** 1) ўз паноҳига, химоясига ёки қарамоғига олмоқ. *Етимларни қаноти остига олибди; 2) салб. ёнига, атрофига тўпламоқ. Қодиров оғзи катта эркакларни қаноти остига олиш йўли билан ўз мавқеини кучайтиришга интиланганини сезиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қаноти остида бўлмоқ** паноҳида, химоясида ёки қарамоғида бўлмоқ. [Майсара:] Энди, тақсирим, давлатни ҳам кўрганман, ишқилиб сизнинг қанотиниёз остида бўлмас бўлади-да. Ҳамза, Майсаранинг иши. **Қаноти остида сақламоқ** химоясида сақламоқ, ҳомийлик қилмоқ, сақлаб қолмоқ. *Собиқ босмачи Мадаминни ўз қаноти остида сақлаб келган кишининг советда раислик қилиши ярамайдил!* П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАНОТЛАНМОҚ** *кт.* 1 Қанот пайдо қилмоқ, қанот чиқармоқ. [кўча Рухланмоқ, ғайратга келмоқ. Ҳавасларим қанотланиб кўкка учайди. Ф. Гулом.

2 Шайланмоқ; интилмоқ. Қишлоққа учибга қанотланиб ўтирганамда, дадам билан маҳалла элликбошичи офатдай, бирдан босиб келишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *кўча* Кенг тарқалмоқ, қанот ёзмоқ. *Ун беш байрам — ўн беш аланга Қанотланди бутун оламга.* Х. Гулом.

**ҚАНОТЛАНТИРМОҚ** қанотланмоқ *фл. орт. н.* Командирнинг шахсий жасорати ва ўрналиги бир онда юзларча одамларни қанотлантирадиган қандайдир сеҳрли кучга эга эканига асло ишубха қилмайдил. Ойбек, Куёш қораймас. *Йигит ҳозир ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг беғараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қанотлантирар эди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

**ҚАНОТЛИ** 1 Қаноти бор, қанотга эга бўлган. *Узун қанотли қуш. Тўрт қанотли капалак. Ақлли иш — қанотли қуш. Мақол. — Билгани шўхлик унинг, Гул қанотли капалак. Ғайратий.*

2 Қанот ўрнатилган, қанот билан таъминланган. *Бир қават қанотли самолёт.*

3 Тавақали, тавақаси бўлган. *Адолат икки қанотли катта дарвозадан узун йўлакка кирди.* С. Зуннуова, Гулхан.

4 *кўча* Учадиган, учқур; узоққа олиб кетадиган. *Эҳ, хаёллар, қанотли учқур хаёллар.. Сиз кишини асир этишига нақадар устасиз.* Н. Орифжонов, Ҳаловат.

**ҚАНОТСИЗ** Қаноти йўқ, беқанот. **ҚАНОТ-ҚУЙРУҚ** 1 Қанот ва қуйруқ. *Қанот-қуйруғи юлинган товуқ.*

2 *кўча* Суянчиқ, кўмакчи; химоячи. *Биронта тузук таниш-билиш, қариндош-уруғ борми? .. Кенг қирдаги яккоёқ йўлдек ёлғизман. Одамларга ўхшаб қанот-қуйруғим йўқ.* С. Абдуқаҳор, Гап норда эмас. *Ҳали унга қанот-қуйруқ бўлиб юрганлар кўп.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАНТАР:** қантар оғди қишнинг ярми ўтди, иккинчи ярми бошланди. **Қантарга олмоқ** *диал.* қантарилиб қиш уйқусига кетмоқ (қишла ухлаб қарахт бўлиб ётадиган ҳайвонлар ҳақида).

**ҚАНТАРИЛМОҚ** қантармоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.* [Қоратўриқ] яхши боқилиб қантарилганидан, бир жойда турмай ҳа деб типирчилар, икки оёғини осмонга кўтариб ўйноқларди. Ж. Шарипов, Саодат. *Минерал ўғитни ҳам қўлимизга кечроқ ўтказишди, экин жонивор анча қантарилди.* Х. Назир, Маёқ сари.

**ҚАНТАРИШМОҚ** қантармоқ *фл. бирг. н.* *Курт уйқудан турандан кейин ёйман деди, булар уни қантаришади.* Н. Сафаров, Олняхон Султонова.

**ҚАНТАРИҚ** Қантариб қўйиш, қантариғлик ҳолатда тутиш ва шундай ҳолатнинг ўзи. *Ориқ ҳўкис қантариқдан кўтармас бел.* Ф. Гулом.

**ҚАНТАРИҒЛИҚ** 1 Қантарилган, қантариб қўйилган. *Жонизоқ қантариғлик турган отини қозикдан ечиб минди-ю, Нигоранинг орқасидан от қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўча* Фойдаланилмай, ишсиз, бекор турган. *Яқинда эълон қилинган бир маълумотга қараганда, СХМ—48 терим машинасидан йигирма мингтаси МТС паркларида қантариғлик турган эмиш.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ҚАНТАРЛАМОҚ** *диал.* Қантармоқ. **ҚАНТАРМОҚ** 1 Овқатга, ем-хашакка етолмайдиган қилиб, арқонни калта қилиб боғламоқ (асосан от ҳақида). *Отряд.. отдан тушди, ҳар ким ўз отини у ердаги дарахтлар шохига қантариб боғлади.* Айний, Куллар. [Кудалар] келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб ғўнани қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Озиқ-овқат, сув бермай сириб қўймоқ, овқатдан, сувдан қисмоқ, оч қолдирмоқ. — *Бизни ишга юбормай, очликда қантарадилар,— деди Турсун.* А. Раҳмат, Брест қаҳрамони.

3 *кўча* с. т. Ишлатмай бекор, бўш қолдирмоқ; фойдаланмай дам бериб қўймоқ. — *Нега универсални қантариб қўйдинг, Содиқ? — деди Комилжон шотут тағида ўтирган универсалчиға қараб.* И. Раҳим, Ихлос.

**КАНЧА** 1 *сўр.* олми Қай миқдорда?, қай меъёрда?, нақадар кўп? *Бу челақ қанча сув элтади? Плита қанча энергия олади? Намақоб тайёрлаш учун бир литр сувга қанча туз солинади? Ошга қанча гуруч солинди?* | Риторик сў-

роқда кўп миқдор билдириб келади. *Бир пуд пахтадан қанча газлама, қанча ёғ, қанча кунжара, қанча чийит пўчоқ, липтер чиқади? А. Қаҳор, Кўй-чинор.* | Донали нарсаларнинг миқдори ҳақидаги сўроқни билдиради; неча? неча дона?, неча нафар? *Мақтабингизда қанча бола бор? | Вақт миқдори ҳақидаги сўроқни билдиради; неча вақт? Мажлис қанчага чўзилди? Келганингизга қанча бўлган? — Шу ердан, нақ шу ердан Шайхантовурга қанчада борасиз? Ойбек, Қутлуғ қон. — Қанчадан бери хат келмайдил? — деди Ҳайдар ота. — Анчадан бери [деди Асроркул]. А. Қаҳор, Асрор бобо.* | Пул миқдори, нарх, баҳо ҳақидаги сўроқни билдиради; неча пул? *Иморатга қанча сарф бўлди? Шкафни қанчага олдингиз? Пальтонгиз қанчага тушди? Атласнинг метри қанча туради?* — *Яхши йигит, буни қанчага бўйяйсиз? С. Аҳмад, Оқпадар.* | Ёш ҳақидаги сўроқни билдиради; неча ёш? *Қанчага бордингиз?*

2 *нисб.* олми Қай миқдорда, қанчалик кўп. *Дадам раҳматлик баққол эди. Бир кунда қанча сабзи-пиёз сотади, буни ҳеч кимга, уй ичидагиларга ҳам айтмас эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *рви* Қай даражада, нечоғлик, нақадар. *Қанча уринса ҳам бўлмади.*

— *Ўзбек ойлим набири масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик ҳафа эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Турдиев қанча ўйламасин, охирига етмади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очил нўқталари қанча кўп емирилиб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади.* А. Қаҳор, Олтин юлдуз. | *Кўп, беҳисоб; жуда кўп. Тоғам қанча насиҳат қилди, мен билан қанча гаплашди. Энди шим ўнг бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Улар [болалар] очофатларча кўп овқат есалар ҳам, қанча бетамизлик қилсалар ҳам, ҳеч ким индамасди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАНЧАДАН-КАНЧА** Қанчалиги номаълум, лекин жуда кўп, беҳисоб, бир талай; аллақанча. *Унинг [Асрорнинг] юрагида қанчадан-қанча орзулари бор. У шу орзуларга албатта етади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзи билан бирга етмиш минга яқин одам, қанчадан-қанча от-улов, озиқ-овқат, асбоб-ускуналар келтирибди.* Ойдин, Ширинга мактуб.

**КАНЧА-КАНЧА** *айн.* қанчадан-қанча.

**КАНШАР** 1 Буруннинг икки қош ўртасидаги юқори қисми. *Қаншири наст.* — *Қанширида кўзойнак ҳам пайдо бўлиб қолибди.* С. Анорбоев, Гулдаста. *Ойна опа ички бир титроқ товуш билан ингранди. Қанширида икки қат ажин бўртди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Сигирингизнинг қанширига темирлатки чиқибди, намақоб сурқадим, нос сурқадим бўлмади.* А. Қаҳор, Оғриқ тишлар.

2 *қўйма кам қўла*. Нарсаларнинг пешанаси, олдинга туртиб чиққан дўнг жойи. Юзакни қараганда, бу каш-фиёт дизель тракторининг қанширига улаб қўйилган қандайдир ортиқча дах-мазадан ҳеч фарқи йўқ. Ж. Абдулла-хонов, Йўл. Қўзага ташланадиган бир тежаликнинг қанширини тушириб юборди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАНҚАЙМОҚ** с. т. Қаққаймоқ, сер-раймоқ.

**КАНҚИМОҚ** диал. Дайдиб юрмоқ, санқимоқ. Унда-мунда душмандан қочиб ўрмонларда қанқиб юрган хона-вайрон одамлар .. вазиятни тушун-тирароқлар. Ойбек, Куёш қораймас. Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди. Соғини кўп тарағ қил-май, нархини гапиривашееринг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ҚАПИШМОҚ** 1 Зич тегмоқ, ёпиш-моқ. Йигитнинг қўллари қизнинг бел-ларига чирмашди, кўкраклари бир-бирига қапишди. Ойбек, Кутлуғ қон. Гоҳ деворларга қапишиб, бир кўчадан иккинчисига чопиб ўтишарди. Шух-рат, Шинелли йиллар.

2 Ичига ботмоқ, пучаймоқ. Ориқлаб қорни қапишиб кетибди. Қорни қа-пишган от. — Шербек бир қараида уларнинг биқини қапишиб ётганини пайқайди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАПИШТИРМОҚ** қапишмоқ *фл.* орт. н. Дилдор унинг [Аъзамжоннинг] орқасидан қараб тураркан, шамол кўйлагини баданига қапиштирди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚАППАЙМОҚ** Шишиб, тўлиб, тў-лишиб кўтарилмоқ, олдинга тур-тиб, дўппайиб чиқиб турмоқ, дўппай-моқ. Қорни қаппайган одам. — У [Хай-рид:] қаппайган эски портфелини ҳовуз бўйидаги супага қўйди-да, уйга кириб йўлатнингте пиджанини олиб чиқди ва елкасига ташлаб қўйди. Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

◆ Чўнтаги қаппайди пули кўпайди, бойи. Қаппайган рақамлар бўртти-рилган, ошириб ёзилган рақамлар.

**ҚАППАЙТИРМОҚ** қаппаймоқ *фл.* орт. н. Ҳожиди хола .. тўй-маъракалар-га фақат дастурхон солиш, кейин туғунини қаппайтириб қайтиш учун-гина эмас, бу баҳонада Тўрагонларни излар, эски касбу корини енг учиди юргизиб туриш учун ҳам борар эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Қорин қаппайтирмоқ с. т. қорин тўйдирмоқ.

**ҚАПТАЛ** диал. Ён, ён томон. Эгарда чайқалиб борарканман, .. хирмонлар қапталидан чиқиб қолдим. А. Ҳасанов, Чироқлар.

**ҚАПЧИМОҚ** диал. 1 Зарб билан ури-либ, орқасига сапчмоқ (эластик нар-салар ҳақида). Коптоқдек қапчиб-кет-моқ.

2 Ирғиб ўрнидан турмоқ; сапчиб тушмоқ. Сидиқжон унинг чап ёнига ўтирди-да, орқасидан қўлини узатиб елкасини ушлади. Жувон қапчиб ўр-нидан турди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ҚАРАБ** 1 қарамоқ *фл.* ривиди. Ўзбек

ойим эрига анқайганча қараб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *қўм.* (ж. ж. билан) Мос, боғлиқ ҳолда, мувофиқ; яраша. Қучинга қа-раб ши қил. Шароитга, қараб ши тупмоқ, Даромдага қараб бурмад. Мақол, Қўрпанга қараб оёқ узат. Мақол. — Ер одамга қараб экиладиган бўлса, совхоздан нима фойда? Хукумат тракторни, машина ўроқни нимага чиқариб қўйишти. А. Қаххор, Кўш-чинор. Қутидор билан Офтоб ойим-нинг бу жавоблари ўзларича эмас, балки Кумушнинг қўнғлига қараб берилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йўна-лишида, та томон. Улар Тошкентга қараб кетишиди. Сувнинг оқимига қа-раб сузмоқ. Ҳар қуш ўз уясига қараб учар. Мақол. — Бўта ўрнидан туриб, чигит экилган ерга қараб кетди. С. Аҳмад, Хукм. Уйдан бўғчалар олиб чиқади ва Холнисага қараб улоқтира-ди. А. Қаххор, Янги ер.

**ҚАРАГАНДА** *қўм.* (ж. к. билан) 1 Нисбатан, таққослаганда. Сизга қа-раганда у ёш кўринади. Кумушга қа-раганда олтин оғир. Бу йил пахта ўлган йилга қараганда анча кўп бўлди. — Бу икки ўрим соч қирқ кокил-га қараганда жуда ҳам ўзига келишиб, унга яна бир қайта улуғворлик ва олижаноблик бағишлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белги-хусусиятларига қараб, уларни ҳисобга олиб ҳукм юртилса; кўра. Ташқи кўринишига қараганда у жуда соғлом кўринади.

3 Биноан, мувофиқ, кўра. ТАСС ахборотига қараганда. Одамларнинг айтишига қараганда. Гапига қара-ганда хурсанда бўлайди. — [Хайрид-дин:] Бу хужжатларга қараганда қиз-ингиз эрдан ниқайтгани йўқ. Б. Раҳмо-нов, Юрак сирлари. Қосмосга юборган элчиларимизнинг маълумотларига қа-раганда Ер атрофини ўраб олган бун-дай заррачаларнинг сони беҳад кўп-дир. «Фан ва турмуш», 1969, № 10.

**ҚАРАЛМИШ** грам. Қаратқич кел-шигидаги сўзга боғланиб келадиган тобе сўз, мас. (укамнинг) китоби, (бизнинг) бурчимиз.

**ҚАРАЛМОҚ** қарамоқ 1, 2, 4, 7, 9—13 *фл.* мажж. н. Аризонга келгуси бюрода қаралади. Ҳар жиҳатдан қа-ралганда ҳам сиз ҳақлисиз. — Ноҳақ ишга қўяман. Бой, камбағал, мулла, эшон демадан, ҳамманинг боласига бир текис қаралса. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚАРАМ** 1 Ихтиёри, эрки-хуқуқи ўзида бўлмаган, бошқага тобе, бўй-сунган, эрксиз. Қарам мамлакат. — Фабрика-заводлар, корхоналар, ер-сувлар яна ўша хўжайинлар қўлида. Ишчилар; чоракор, қаролар яна улар-га қарам. П. Турсун, Уқитувчи. | Би-рор юқори ташкилот томонидан бош-қариладиган, унга итоат қиладиган; тобе, қарашли. Министрликка қарам заводлар. — Ахир нега Назаров бошлуғу, у [Саидғози] қарам? Одамлар нега На-

заровни ҳурмат қилишадими, уни на-зарга олишмайди? С. Анорбоев, Оқсой.

2 Кимсанинг таъминотида бўлган, қарамотидаги. Касал ўғил, хотин, боз худо берган набири. Ҳаммаси шу чолга қарам. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚАРАМАЙ** 1 қарамоқ *фл.* бўлишсиа ривиди *ф.си.* Эсини йўқотиб қўйган қайин отасига қарамай: Сизми, Ку-муш? — деб сўради [Отабек]. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

2 *қўм.* (ж. к. билан) Эътибор бер-масдан, қарамасдан, писанда, парво қилмай, ҳисоблашмай. Декабрь бўли-шига қарамай, кун иссиқ. — Қиш-нинг изғиринли кунига қарамай, ҳам-ма томлар бошларига паранжи ё чо-понни нари-бери ёпан хотин, қизлар билан тўлди. Ойбек, Кутлуғ қон. У табиатининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди. М. Ис-моиллий, Фарғона т. о.

**ҚАРАМАСДАН** айн. қарамай 2. Бун-дан унинг хабари бормиди, йўқми, лекин у бу томонга қарамасдан оти-ни эгарлаш билан машғул эди. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. Йўталанинг азоб беришига қарамасдан, Турғуний-нинг чеҳраси очик, иштаҳа билан нон ер эди. А. Қаххор, Мاستон.

**ҚАРАМА-ҚАРИШИ** 1 Бир-бирига тўғ-ри келмайдиган, хилоф, зид, бири иккинчисини инкор этадиган. Қарама-қарши фикрлар. Қарама-қарши та-лаблар. — Фуломжон шу хил қара-ма-қарши ўйлар билан этини еб, узоқ ўтирди. Қетай деса, илинж қўй-майди, кетмай деса, ўқинч. М. Исмои-ллий, Фарғона т. о. | Бири иккинчисига мухолоф, қарши ёки душман. Қара-ма-қарши кучлар.

2 Бири иккинчисининг рўпарасида бўлган, бир-бирига қараб турган, рў-барў. Қарама-қарши бинолар. Қара-ма-қарши жойлаштирмоқ. | Бир-бирига тескари. Қарама-қарши ишо-ралар (мат.). | Бири иккинчисига қа-рши йўналган. Қарама-қарши шажола. | Рўпарадаги, қаршидаги, қарши. Бу икки товуш қарама-қарши томондан келган кучли тўлқинлардек, бир-бири билан тўқнашди ва Турдиевнинг қа-бани ларзага келтирди. Шухрат, Ши-нелли йиллар. Булоқ жилгаси эса экин-зорнинг қарама-қарши томонига бури-либ кетган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАРАМА-ҚАРИШИЛИК** 1 қарама-қарши с. белги оти. Фикрларнинг қа-рама-қаршилиги.

2 Бири иккинчисини инкор этади-ган, ўзаро зид фикр, ҳодиса ва ш. к. зиддият, ихтилоф. Ички қарама-қар-шилиқлар.

**ҚАРАМЛИК** қарам с. белги оти. Кре-постной қарамлик (тар.).

**ҚАРАМОҚ** 1 Кўриш учун кўзини бирор томонга, дарса ёки кимсага йўналтирмоқ, кўз ташламоқ, назар солмоқ, боқмоқ. Ойнага қарамоқ. Би-ровга тикилиб қарамоқ. Кулиб қара-моқ. Хўмайиб қарамоқ. Ер остидан қарамоқ. — Ҳақимбойича ялт этиб,

укасиға қаради. Ойбек, Қутлұғ қон. Хамдам дадасиға қараганича узоқ турди қолди. А. Қаххор, Айб кимда. — Менга қара, хотин! — деди Хожид жиддий тусда. Узбек ойим қаради. А. Қодирий, Утган кунлар. Мана бунди қаранг: қовурғасини битта-битта санама бұлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | ай. мұраламоқ. Туйнукдан қарамоқ. Тирқишдан қарамоқ. | Фикран назар ташламоқ, боқмоқ, күз олдиға келтирмоқ. Утмишга бир қаранг. | Күз тикмоқ, боқмоқ. Келажакка ишонч билан қарамоқ.

2 Синчиклаб күздан кечирмоқ, назар солмоқ, текширмоқ. Тұлаған ака ұрнидан турди, қозғозни олиб, у ёқ-бу ёғиға қаради-да: — Шунди олиб борсам, отим билан сигиримни берадимми? — деди. А. Қаххор, Қўшчинор. Эшикнинг занжиринга бир қараб келингизчи, имон топкур Жаннат она! А. Қодирий, Утган кунлар. | Ахтармоқ, қидирмоқ. Улар бир неча кўчани кунт билан қараб чиқиб, чойхона тополмадилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Қизинг қани дедим. «Уйда эди, қаёққа боради» деди. У ёқни қарадик, бу ёқни қарадик, айқ. Шу қоронғида қаёққа боради? Ойбек, Қутлұғ қон.

3 (буырұқ майли ф-да) Таажжуб, афсусланиш, нафратланиш каби маъноларни ифодалайди. Соатни олмаганингизни қаранг! Аксига қор ёққанини қаранг. — Хоинлик қилиб қўйиб, яна мунофиқлик қилганини қаранг-а. Б. Рахмонов, Бахор арафаси.

4 Парварниш қилмоқ, тарбияламоқ, боқмоқ. Болаларға қарамоқ. Экинге қарамоқ. Отға қарамоқ. — Хола, бонингизге ким қарайди? — сўради Олихан. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. | Гамхўрлик қилмоқ, диққат-этибор бермоқ. [Зокир ота.] Правление хўжалик, қурилиш ишларига берилиб кетиб, мактабга унча қарамай қўйди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Күз-қулоқ бұламоқ, кузатмоқ, назорат қилмоқ. Божаға қараб турмоқ. — Шамға қараб туринг, ҳаким, — деди полон, — үчиб қолмасин, ўсча менга айтинг. А. Қаххор, Қўр күзнинг очилиши. | Тебратмоқ, юргизмоқ. Қўзим оқиқ экан, қарздан қутилиб олай, гўримда тинч ётай, Йўлчи рўзгорға қарайдим, қарзимни узадим. Ойбек, Қутлұғ қон. | Бирор нарсдан бойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажармоқ. Мана, сиз, битта ўзингиз ўттиз иккита машинаға қарар экансиз. А. Қаххор, Йиллар. | Бирор иш билан шуғуланмоқ. Қутбидинни лабини бурди. — Қўзойнақ изласа бурундан сув оқар эмишим? Минг лаънат! Бор, уйға кир, дарсингни қара. А. Қаххор, Ужар.

5 с. т. Муолажа қилмоқ, даволамоқ, боқмоқ. Тўпанинг ичга ботиб кетган кўзлари катта-катта очилди: тавба, доктор хаммини қарай берар экан-да. А. Қаххор, Сароб.

6 Қарамоғида, боқимда бұлмоқ. Этти болам бор. Онам бор, хотиним

хаммаси бўлиб, ўн киши менга қарайди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Тасарруфида, ихтиёрида бұлмоқ, қарашли, тегишли, мансуб бўлмоқ. Бу ерлар қайси колхозға қарайди? Бу район Фарғона областига қарайди. | Кўл-остида бұлмоқ, қарам, тобе бұлмоқ. Бу завод қайси министрликка қарайди?

7 Муҳокама қилмоқ, кўрмоқ, ҳукм юргизмоқ. Йигилиш бу масалани қарамади. Сўд сизнинг ишингизни эртага қарайди. Бу тарафдан (ёки томондан) қараганда масаланинг бу томонини (жихатини) ҳисобга олганда. Бу тарафдан қараганда сиз ҳам ҳақли.

8 Кутмоқ, пойламоқ, күз тутмоқ. Биз сизга икки соатча қарадик. — Сенинг чиқаришингизга қараб, қўш маҳалини ўтказиб юборайми? А. Қаххор, Қўшчинор.

9 . . . деб тушунмоқ, билмоқ, ҳисобламоқ. Хаммани ўзига дўст деб қарамоқ. — Қози хам, Асад қори хам жадид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг эйркови деб қарар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

10 Қандайдир муносабат билдирмоқ, муносабатда бўлмоқ; муомала қилмоқ. Қимсага ҳурмат билан қарамоқ. Мен ўқимоқчиман, сиз бунга қандай қарайсиз? [Фотима Элмуродга:] Тушуна олмадим: нима, мен сизга илгари бошқача қарар эдим-ку, энди ёмон қарайтирманми? П. Турсун, Уқитувчи. | Ёндашмоқ. Масалага тўғри қарамоқ. Ишга масъулият билан қарамоқ. — Бутун правлениедан талаб қилар эдим, бу ишга, бу масалага жиддийроқ қараб, тегишли чора кўришлари керак. А. Қаххор, Қўшчинор.

11 Кўйма Эйтибор бермоқ, илтифот қилмоқ. Эри унга [Зайнабга] оилаб, иллаб қарамай қўйганида ҳам у «ки» деб товуши чиқармади. А. Қодирий, Утган кунлар. Умри «мен сени қизлигимда яхши кўриб қолганман, қарамаганингдан кейин сенга ўнақишиб эрга теккан эдим, ҳозир эримдан чиққанман», — деди. А. Қаххор, Хотинлар. | с. т. Еб-ичмоқ, олмоқ. Қани, нон ол, узумга қара. Ойбек, Қутлұғ қон.

12 Ўзига боғлиқ бўлмаган талаб, хошиш, шароит ва ш. к. билан ҳисоблашмоқ, унга мувофиқ иш тутмоқ. Бировнинг рағбига қарамоқ. Кўнглига қарамоқ. Қош-қовоғиға қарамоқ. — Ўзинг нега онамининг розиликларига қарамазан эдинг, Шариф оқсоқалга берамиз деганда, нега қари деб ўзингни ҳовузга ташлаган эдинг? А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

13 Қимсага эргашмоқ, тақлид қилмоқ, унга боқиб иш тутмоқ. Сизга қараб ўзини сипоҳ тутлатти. — Бошқаларга қарши керакмас, бошқалар бизга қарсин, кўрсин, ўйласин. А. Қаххор, Қўшчинор. | Объектинг белгиларига қараб иш тутмоқ ёки ҳукм юргизмоқ. Одамнинг ҳуснига қарама, ақлига қара.

14 Боғлиқ бўлмоқ. Ақл ишга қара-

майди. — Сидиқжон унга [Маллавоёга] жуда узоқ тикилиб қолганини кўриб, Болтабой: — Ҳа уч ярим меҳнат ишлайдиган одамга ўхшамайдими? — деди. — Жуссағи қарамас экан-да. — Нега, жуссаға ҳам қарайди. Жуссағи ёмонми? А. Қаххор, Қўшчинор. Қараб қолмоқ: 1) узоқ қараб турмоқ, аңқаймоқ; 2) маҳтал бўлмоқ, витизор тортмоқ. Тезроқ бўл, одамлар қараб қолди; 3) боғлиқ бўлиб қолмоқ, тақалмоқ. Иш шунга қараб қолди. — Дунда кўриб ўтатурсан барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган. А. Қодирий, Утган кунлар.

15 Юзи, беткай томони билан бирор нарсга ёки томонга рўбарў турмоқ. Деразалари жанубга қараган уй. Тоққа қараган ишйон.

16 Кўмакчи фельд вазифасида келиб, етакчи фельдан ағлашган иш-ҳаракатни бажаришга уринмоқ, синаб кўрмоқ, уннаб, ҳаракат қилиб кўрмоқ каби маъноларни ифодалайди, мас. ўйлаб-қарамоқ, суриштириб қарамоқ.

◆ Қараб турмоқ (ёки ўтирмоқ). 1) ҳисоблашмоқ, эътиборга олмоқ. — Вой ўлай! — деди Шарофат кунга қараб, — албатта [Исмоилдин амаким] кетиб қолдилар-да. Менга қараб ўтирармидилар? А. Қаххор, Қўшчинор; 2) бирор ишдан ўзини четга тортмоқ; индамай четга турмоқ, бепарво бўлмоқ. Олимжон ака, сиз чора кўраверингиз, қараб турманг. Мен ҳам ёрдамлашман. Ойбек, Қутлұғ қон. Қараб тур(инг)! «казон(из)ни бераман» маъносидаги дўқ-пўписа. Қараб тур, даданг келисин! Шундай танобинени тартдирайки. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси, Кўзингга қара қ, күз. Ола қарамоқ қ, ола. Панжа (ёки бармоқ) орасидан қарамоқ қ, панжа. Сени қараю шу хам (иш) бўлдимми? Тожибой Элмуроднинг кетидан хўрайиб қараб турди ва у мўлошидан бурилиб кетган ўзича: Сени қараю! — деди. П. Турсун, Уқитувчи. Қайси юз билан қарайди? Учрашишга (қўришишга) уялади, номус қилади, хижолат тортади. Хатингизни ўқиб ниҳоятда хижолат чекдик, айниқса келин болангиз бек ойимга қайси юз билан қарайман, деб юзини юлди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қош-қовоғиға қарамоқ қ, қош-қовоқ 2.

ҚАРАНМОҚ 1 қарамоқ 1 фл. ўал. н.

2 Қарамоқ, боқмоқ, назар ташламоқ. [Отабек] жавоб ўрнига ҳовли томонга қаради. А. Қодирий, Утган кунлар. | Синчиклаб қарамоқ, қараб чиқмоқ. Гулчехра худди уйқудан бош кўтарган киши каби отрофга қаранди-да, .. ташқарига отилди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ҚАРАТА кўм. (ж. к. билан) 1 Қаратиб, тўғрилаб, йўналтириб. Тоққа қарата аралаш. — Канални буйлаб ўтган кўчанинг кун юрши томонига паркка қарата солинган .. клуб одамга лик тўйди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Қимсани кўзда тутиб ёки унга атаб, мурожаат қилиб. Сизга қарата

айтилган гап. — Полковник .. ҳаммага қарата нутқ сўзлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАРАТИЛМОҚ** каратмоқ *фл. мажх. н.* Ҳамманинг диққати бир масалага қаратилган. — У [Мирзакаримбой] боғнинг ташқарига қаратилган эшигига кирди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**КАРАТМОҚ** 1 қарамоқ 1, 2, 4, 5—12, 15, 16 *фл. орт. н.* У ҳаммани ўзи томонга қаратди. Бемор вақтида докторга қаратмади. Шимолга қаратиб солинган айвон.

2 Жалб этмоқ, тортмоқ. Лектор ҳамманинг диққатини бир масалага қаратди. — У биров билан шахмат ўйнар ва айни вақтда йиғирмага яқин одамни оғизга қаратиб кулдириб ўтирар эди. А. Қахҳор, Куюшқон. **Ўзига қаратмоқ** 1) кимсани ўзига қарашга мажбур қилмоқ, эътиборини тортмоқ. Бу чечак қирлари ўз бағрида борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар; 2) ўзига оғдирмоқ, ўзига мойил, тарафдор қилиб олмақ ёки бўйсундирмоқ. У ҳаммани ўзига қаратиб олди; 3) ўзиники қилиб эгаллаб олмақ, ўзлаштирмоқ. Соддадил одамларнинг ҳовли-жойларини ўзига қаратиш сингари ҳаром ишларнинг пири эди. Ойбек, Кутлуғ қон. **Бировни (ёки бировнинг юзини) ерга қаратмоқ** уялтириб қўймоқ, хиждолат қилмоқ. Муҳаммадражаб юзсизлик қилиб Саидийни домланинг олдида ерга қаратиб қўйди. А. Қахҳор, Сароб.

**КАРАТТИРМОҚ** каратмоқ *фл. орт. н.*

**КАРАТҚИЧ** грам. Қаратиш йўли билан аниқлаб келиб, киши ёки нарсаларнинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини кўрсатувчи сўз. Қаратқич келишиги.

**КАРАШ** 1 қарамоқ 1, 2, 4, 5—13, 15, 16 *фл. иш оти.* Тикилиб қараш. Хўмрайиб қараш. Кулиб қараш. — Қиладиган ишим — отларга қараш, кечқурунлари ҳалиги икки қизни отлик саяхат қилдириш. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Кўз ташлаш, боқиш йўсини; назар, нигоҳ. Аёлнинг шу биргина қарашини Низомиддиновнинг ҳаётини таҳликага солиб қўйди. С. Аҳмад, Ҳукм. **Қараш қилмоқ** бирор тарада ёки бирор маъно ифодалаб боқмоқ, қарамоқ. Назаров эшитдингизни дегандай қараш қилди. Назаровнинг шу боқиши Шербекка оғир ботди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Факт ва ҳодисаларни тушуниш системаси; нуқтаи назар, концепция. Фейербахнинг қарашлари изчил материалистик қарашдир. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм. | Ёндашиш. Масалага илмий қараш. Дунёга, ҳаётга тўғри қараш. Бола тарбиясига бўлган қарашингиз маъқул.

4 Кимсага, бир-бирига ёки насага муносабат. Сўзни чўзмаққа ҳожат йўқ; эрларимизнинг Офтоб оймларга қара-

ши ҳаммаша шундан бошқа эмас. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **ЎзССР ҳар бир ераждани .. жамсат бурчиға виждон билан қараши лозим.** «ЎзССР Конституцияси».

**ҚАРАШЛИ** 1 Бирор юқори ташкилот томонидан бошқариладиган, унга қарам, тобе бўлган, бўйсунадиган. Савдо министрлигига қарашли муассасалар. | Бирор маъмурий-территориал бутунлик таркибига кирадиган. Фарғона областига қарашли районлар. | Раҳбарлигидаги, қўл остидаги. Халқ депутатларининг Советлари.. ўзларига қарашли идора органларининг ишларига раҳбарлик қиладилар. «ЎзССР Конституцияси». | Кимсага тегишли бўлган, унга итоат қиладиган, унинг гапига кирадиган, буйруғини бажарадиган. Мен ўзимга қарашли камбағалларимни колхозга торта оламан, бу тўғрида бошқанинг ёрдамига муҳтож эмасман. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Бемало! Ўзимизга қарашли йиғитлар, биронтасига айта-миз. А. Қахҳор, Қўшчинор. Унга қарашли икки муттаҳам йиғит кеча кеч Салимнинг кўмаги билан қизни .. қулайгина ўғирлаб чиқди. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Кимсанинг ихтиёрида, тасарруфида, қўлида бўлган, унга тегишли, тааллуқли. Қолаҳозга қарашли ер. | Кимсанинг ўз мулки бўлган. Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Тантубийовачча ўзига қарашли дўконлардан бирини бугун катта пулга сотди. Ойбек, Кутлуғ қон.

3 кам қўл. Тааллуқли, оид. Мамажон ялқовнинг кундалиқ дафтарида турли ишларга қарашли бир неча саҳифаларни ялқовнинг ўз дастхати, ўз оғзи билан айтмоқчи бўламан. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**ҚАРАШМОҚ** 1 қарамоқ 1, 2, 4, 5—13, 16 *фл. бирг. н.* Болалар ялт этиб Ғулможонга қарашди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Қизлар бир-бирига қарашиб олдилар. Ойдин, Юрагида ўти бор.

2 Ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ. Қизча онасининг ишларига қараша бошлади. — Ҳим.. — деди Семёнов, — бўлмас, мен ремонтга қарашай. Ойдин, Эр юрак. | Бирор нарса, пул ва ш.к. билан ёрдам бермоқ, ёрдамлашиб турмоқ. Юз сўм қарашиб туринг. — Бой ота, менга ҳам бир пуд уруғликдан қарашиб турсангиз, савоб бўларди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Хайриятки, ҳожихонанинг эгаси Фуод афанди бизга меҳрибончилик қилиб, овқатимизга қарашиб турди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ҚАРАҒАЙ**, қора қарағай Игнабаргли, майда тўнғиз ёнгоғи бўладиган, тик, доимо яшил дарахт. || Қарағай ёғоч. Қарағай тахта.

◆ Аканг қарағай диал. биз, акагинангиз (ўз шахсини бўрттириб кўрсатиш учун «мен», «биз» ўрнида ишлатиладиган ибора).

**ҚАРАҒАЙЗОР** Нуқул қарағай билан банд бўлган жой, ер.

**ҚАРДОШ** 1 сфм Дўстлик, биродарлик алоқалари билан боғланган, бир-бирига жуда яқин; дўст, биродар. || Қардош халқлар. Қардош республикалар.

2 от Қариндош, қариндош-уруғ. Акам сут эмар бола вақтда онам касал бўлгани учун Эргашнинг онаси акамни эмизган, у бизга сут қардош эди. Айний, Эсдалиқлар Оғани қардошимдан, Барчасидан жудо бўлдим, «Равшан». Қардош тиллар бир оилага мансуб тиллар.

3 Ўзига тенг кишига мурожаат формаси; ошна, оғайни, биродар, ўртоқ. Юрагинда нима дард бор, қардош? А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ҚАРДОШЛАРЧА** рви Дўстона, биродарларча. || Қардошларча салом. Қардошларча ҳамкорлик. — [Аҳмадқул].. оддий деҳқонлар билан қардошларча суҳбатдош бўлади. Айний, Эсдалиқлар.

**ҚАРДОШЛИК** қардош с. белги оти. СССР халқларининг оға-иниларча қардошлиги. Қардошлик саломи. Қардошлик ёрдами. Қардошлик муносабатлар.

**ҚАРЗ** [a] 1 Маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса (пул, буюм, галла ва ш. к.). Қарз(за) олмоқ. Қарз кўтармоқ. Қарза ботмоқ. Қарз(за) бермоқ. Қарзни тўламоқ. Қарздан қутилмоқ. Мен сиздан юз сўм қарзман. — Афандининг бир баққолдан эллик уч танга қарзи бор эди. «Латифалар». Ақлли бола экансан, ука, ота қарзини узишга бел боғлабсан. Ойбек, Кутлуғ қон. Йўлдош кундаликка ёзиб қўйинг. Битта ош ҳам қарз қилиб қўйдик. Шухрат, Шинелли йиллар. Қарзи ҳасана қ. ҳасана.

2 кўчма Кимсанинг зиммасидаги ва-зифа, мажбурят, бурч. Сен билан мен тангри олдида бандалик қарзимизни ўтаганмиз. С. Аҳмад, Ҳукм. Қарзи қиёмат, қиёмат қарзи ёки қиёмати қарз тирикликда тўланиши ёки адо этилиши шарт бўлган қарз. Ҳам фарз, ҳам қарз албатта қилиниши, бажарилниши шарт деган маънодаги ибора. Планни ўз вақтида тўлдириш — ҳам фарз, ҳам қарз.

**ҚАРЗДОР** [a+ф-т] 1 Қарз бўлган киши. Афанди бир судхўрдан қарздор эди. «Латифалар». Хўп, бу нарсаларни олсак, сиздан неча пул қарздор бўламиз? А. Қахҳор, Қўшчинор. [Абдурахмонбой:] Зиёфатнинг каттасига қарздор-миз, тақсир. Қадамларига ҳасанот! Н. Сафаров, Уйғониш.

2 кўчма Бировнинг яхшилиги, хизмати учун миннатдор, бурчли бўлган шахс. «Мен Совет ҳукумати олдида, бу одамлар олдида қарздор эмасми?» деган фикр унинг [Элмуроднинг] миёсида такрорланди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚАРЗ-ҚАВОЛА** Ёрдам тариқасида олинган қарз, қарз-қурз.

**ҚАРЗ-ҚУРЗ** Ундан-бундан олинган қарз; ҳар хил майда-чуйда қарзлар. Қарз-қурз билан амал-тақал қилиб чит, тик, тринка олади. Ойбек, Болалик.

**ҚАРИ** I Анча ёшга борган, қартайган; кекса. Қари киши. Қари от. Қари тол. || Ёшу қари(лар). Қари билганини пари билмас. Мақол. — Қари ҳам, ёш ҳам унинг олдида одоб сақлаётгандек, аскияга ортиқ оғиз очмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қари қиз** эрга чиқмасдан ёши улғайиб, ўтириб қолган қиз. *Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари, катта ишонч ва зўр мамнуният билан гапириши унча ботмади, шунинг учун эрдан қолган қари қиз бўлса керак деган хаёлга борди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Кекса қари** катта одамлардек фикр юритувчи бола, махмадона.

**ҚАРИ II тар.** Хивада: 145 сантиметрга тенг узунлик ўлчови. **Хон қари** Туркистонда: 215 сантиметрга тенг узунлик ўлчови. Ишонсизнинг тушига икки қари бўз кирибди. Матал.

**ҚАРИ-ЕШ** Ёш-қари, ёшу қари(лар), каттаю кичик. Қари-ёшга бирдай бўл, Донг кўтар ота — ўғил К. Муҳаммадий.

**ҚАРИЙБ** [а] рвш I Тахминан, деярли, яқин. Қарийб бир километрча масофа. — Танк қирқ-элик метр яқин келганда, Аҳмаджон ўша чакалакзордан чиққан қарийб бир рота немис пиде аскарини кўриб қолди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. У қарийб доимо хушсиз ётар, ҳеч бир нарса емас, фақат гоҳ-гоҳ сув сўраб ичарди. Айний, Эсдаликлар.

2 Оз бўлмаса, сал қолганда. Қарийб йиқила ёзган эдим.

**ҚАРИЛАРЧА** рвш Қари кишиларга, кексаларга хос; қари кишилардек. Қариларча донолик. || Қариларча фикр юритиши.

**ҚАРИЛИК** қари I с. белги оти. Унинг қариллиги билинмайди. — Жоним бобо, қарилгинг хурмати, Қўя бергин энди отнинг жоловин. «Рустамхон».

2 Кексалик ҳолати, даври. Қариллик уни букчайтириб қўйди. Қариллик пенсияси. — Қарилликда фарзанд кўрган чол Бўйим кўриб, беҳад шод бўлди. Ё. Мирза.

**ҚАРИЛЛАМОҚ** «Қарр» этган товуш чиқармоқ, «қарр-қарр» сайрамоқ. Қаредайир қизилиштон қариллади, попушак «пу-пу-пуп-пиши» деб қўйди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ҚАРИМОҚ** I Ёши ўтиб кексалик даврига ўтмоқ; кексаймоқ, қартаймоқ. Қаризан хотин. Қаризан дарахт. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса — қаризганини. Мақол. — Сиз нечага кирдингиз? — Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кувати кўп унинг, сира ҳоримас, Тўқсондан ошса ҳам ёши, қаримас.* Фозил шоир. *Залом олиб кетди*

ёшлигимизни, Аммо қаримадик, қаримаимиз ҳам. Уйғун.

2 Хазон бўлмоқ, сўлмоқ. Боғимизга зоғу хазон доримасин, Гул ила гулзоримиз қаримасин. «Қўшиқлар».

3 кўчма Эскириб, ишдан чиқмоқ ёки оёқдан қолмоқ. Асл санъат қаримаиди.

4 Бужмаймоқ, бужраймоқ. Кир ювиб бар моқларим қарибди.

◆ **Сафар қари** 1) сафар муддати тугади, сафардан қайтиш вақти келди. *Мана, яна сафарга чиқди. Ишқилиб бу сафари муваффақиятли қарисин-да.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) дағл. умри оз қолди, ўлимига яқин қолди. *Хафа бўлманг, Муҳаррамхон, Нишонбекнинг ҳам сафари қариб қолди.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**ҚАРИМСИҚ** Қарига ўхшаб кўринадиган, кўриниши қари; қаринамо. [Хонзода:] *Хў ўша ажим босган қаримсиқ юзларинга зиндалик чиқсин.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. У [деҳқон] қирқ ёшларга ҳам бормаган. *Лекин кўриниши қаримсиқ.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шорахмедов, Ота.

**ҚАРИМСИҚЛИК** қаримсиқ с. белги оти. У *Хўжабековнинг кўзига энди юзининг қаримсиқлигиданми ё чўкалаб ўтирганиданми, анча савлатлидай кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Зайнаб] *илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотгандек, тусига қаримсиқлик кирган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚАРИМТА** I Яхшилик учун қайтариладиган, кўриладиган яхшилик.

2 Қасос, интиқом, ўч. **Қаримтаси қайтди** 1) яхшилик қайтди; 2) қилмишига яраша жазосини тортди, қасос қайтди.

**ҚАРИМТАЛИ:** қаримтали дунё айн. қасосли дунё қ. қасосли. *Қаримтали дунё. Қаризанимизда Аскаржон ҳам бизларни яқалаб қўйса нима қиламиз.* А. Исомиддинов, Гулдаста.

**ҚАРИНДОШ** Бир авлод-аждодга мансуб бўлган кишиларнинг бири бошқасига нисбатан. Ота томондан қариндош. Она томондан қариндош. Яқин қариндош. Узоқ қариндош. Чапишган қариндош. | Бир ота-она фарзандлари, ака-ука, опа-сингиллар (бир-бирга нисбатан). *Бемехр қариндошдан меҳрибон дўст яхши.* Мақол. — *Ҳай, тўхтанг, тагин ҳалиги командир қидирган сувчи чол сизнинг отангиз бўлмасин.* Қариндош чиқиб қолсанглар-а! Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ҚАРИНДОШЛИК** I қариндош с. белги оти. Она томондан қариндошлик.

2 Қариндошларнинг ўзаро муносабатлари, борди-келди алоқалари, қариндошчилик. *Тожибой гўлдираб, жавоб берди: — Олаҳўжа махсум менинг тоғам бўлади. Илагри қариндошлик йўли билан унча-мунча борди-келдим бор эди. Кейинги вақтларда алоқани татом узганман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚАРИНДОШ-УРУҒ** Узоқ-яқин қа-

риндошлар, хеш-ақраболар, уруғлар. *Қариндош-уруғи кўп одам.* — *Эралининг ҳам қариндош-уруғлари таъвишида ёдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК** айн. қариндошчилик 2. *Тожибой оқсоқол ҳам қариндош-уруғчилик йўли билан кўтарилиб қолган экан-да?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚАРИНДОШЧИЛИК** I Қариндошлик муносабатлари; қариндошларнинг бир-бирга оқибати. *Шу кўрдан нима қариндошчилик чиқар эди.* «Гўрўғли».

2 кўчма Қариндошларча яқин муносабат; қардошлик. *Озарбайжон қалам аҳлининг Ўзбекистонда, бизникиларнинг Озарбайжонда бот-бот бўлиб туришлари тотув қариндошчилигимиз тарихида янги ёрқин боблар очди.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**ҚАРИТМОҚ** қаримоқ фл. орт. н. Бу бечорани ҳам ҳам қаритди. Н. Мақсудий, Юксалиш.

**ҚАРИЧ** Ёзилган панжанинг бош бармоғи учидан жимжилоқнинг учигача бўлган масофа. | Шу масофага тенг эски узунлик ўлчови. *Тогдан эсан шабада ердан бир ярим қарич кўтарилган гўзаларнинг бареларини шивирлатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сандий.. Салимхоннинг ўзидан бир қарич нарига жилишини хоҳламайди.* А. Қаххор, Сароб.

◆ **Бир қарич бола** ёш бола, гўдак. *Бир кундош зулми эмас, бир қарич менга душман.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Тили бир қарич тили узун, оғзи ботир. Ҳой, ўғлим! Қилгиликни қилиб қўйиб, тагин нега тилингни бир қарич қилсан.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**ҚАРИЧЛАМОҚ** Қарич билан ўлчамоқ.

**ҚАРИЧЛИ** Қарич узунлигидаги. *Беш қаричли тасма.* — [Фотима:] *Туфли бор!* Пошнасидан бир қаричли туфлимиз бор! А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**ҚАРИЧЛИК:** бир қаричликдан болалик чоғидан. *Гулнор, бир қаричликдан меҳнатга уринган бов жафожаш қиз, энди ўзи ишқинг олов кўйлагида яшар эди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚАРИШ** с. т. Қарич.

**ҚАРИШҚУЛ** с. т. Бўри, қашқир.

**ҚАРИЯ** Қари(ган) киши; кекса, мўйсафид, чол. *Нуроний қариялар.* Қариялар чойхонаси. — *Қариялар дастурхонга фотиҳа ўқишга ҳамма ўрнидан турди.* С. Ахмад, Уфқ. — *Тагин нима бўлди, қария?* — *ҳар нарсани лўнда қилиб гапиришни севган Қоратой чидамсизлик билан сўради.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚАРИ-ҚАРТАНГ** Турли ёшдаги қариялар, чоллар, қари-қури одамлар. *Катта сув бўйида қурилган чойхонадаги қари-қартанг ҳам.. ашула тингламоқда.* С. Азимов, Олпоқ тонг кўшиғи.

**ҚАРИ-ҚУРИ** айн. қари-қартанг.

**ҚАРМАМОҚ** диал. Қамрамоқ, ўраб



олмоқ. *Мард Хасаннинг гардини, Қармаб олайтирди.* «Равшан».

**ҚАРМОҚ** 1. *Балиқ овлаш учун ипга боғлаб сувга ташланадиган ўтқир учин махсус илгак.* | *Учига шундай илгакли ип боғланган узун таёқ шаққидаги балиқ овлаш асбоби: Ерни қазимасан, олтин чиқмас, қармоқ сөлмасанг, балиқ чиқмас.* Мақол. — *Салмонов, қармоққа илинган балиқ чиқиб кетмасин дегандек, уни тез торта бошлади.* И. Қаландаров, Шохидамас, бартида.

2. *Кўча* Бирор киши ёки нарсани кўлга олиш, элинтириш учун ишлатиладиган восита; тадбир, макр ва ш. к.; тузоқ, дом. *Бировнинг қармоғига илинмоқ (тушмоқ).* — *Дилбархон шаҳарда қолади. Биз у билан бир ердан душманларни қармоққа иламиз, шундайми, Дилбархон? Қ. Яшин, Йўлчи юлдуз. Тўятдан ойдада совуқлик пайдо бўлиб қолди: Бунда ё хотинга бирор бошқа эркак қармоқ қўйди, ё эрга бошқа хотин қўл узатди.* А. Эшонқулов, Оила бахти ҳақида.

**ҚАРО** *к.т.* Қора тусдаги, қора. *[Мансур:]* *Пирим, авф айлангиз бахти қарони, Ғарибу хастади мотамсаронги.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ҚАРОБАТ** [а] *эск. к.т.* Яқинлик, қариндошлик. *Вазир аъзам ҳазратларига қаробатим бор.* Ойбек, Навоий. *Ажмо у, хонга қаробат ҳосил қилиш учун астаҳидил (астойдил) Анварнинг қасдига тушган-ки, бунда ишбуха йўқ.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҚАРОВ** 1. *қарамоқ фл. иш оти.* 2. Назорат, кузатиш. *У ҳозир ҳам врачнинг қаровида.* Бировнинг қарови остида бўлмоқ.

**ҚАРОВСИЗ** Қарамай, парвариш қилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган; боқимсиз, ташландик. *Қаровсиз экин.* *Қаровсиз эр.* — *У [Эргач] ҳовли-жойнинг бу хилда қаровсиз ётишига бир кун ҳам чидаёлмас эди.* А. Мухтор, Опасингиллар. | Назоратсиз. *Болалар қаровсиз қолиб ҳамма ёқни остин-устун қилишибди.*

**ҚАРОВСИЗЛИК** *қаровсиз с. белги оти.* *Маккажўхори қаровсизликдан ёзнинг жазирани иссиғида қовжираб кетибди.*

**ҚАРОВЧИ** 1. *қарамоқ 1, 2, 4—13, 15, 16 фл. ш. оти.* *Уларга [аёлларга] қингир қаровчиларга зарба беришимиз лозим.* П. Турсун, Ҳўтутувчи.

2. Оила боқувчи, оила бошлиғи. *Оилага мендан бошқа қаровчи йўқ.*

3. Парвариш қилувчи, тарбиячи. *Болаларга қаровчи аёл.* | Назорат қилувчи, бошқарувчи. *Бог қаровчиси.*

**ҚАРОЛ** *тар. 1 айн. кул 1.*

2. *Хизматкор; батрак. Ерлари бойга ўтиб кетган камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги шу бойнинг эшигида қарол бўлиб қолаверар эканлар.* Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда. *Қандай қилиб Олаҳжасбой билан унинг жабр-зулмини кўрган собиқ қарол Абдурауфнинг дили бир бўлсин?* П. Турсун, Ҳўтутувчи.

**ҚАРОЛЛИК** *қарол с. маъ. от.* *Камбағални қаролликдан бўйлатди, Шўро ҳукумати узоқ яшасин.* «Фольклор». *Рўзиматнинг отаси: Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди.* Тўйғун, Шонир ҳақида ҳақиқатлар.

**ҚАРОР** [а] 1. Бирор иш, масала ва ш. к. юзасидан ўйлаб ёки ўйлашиб қабул қилинган йўл-йўриқ, хулоса, амалга ошириш лозим топилган қатъий фикр; аҳд, тўхтама. *Қарор қилмоқ (айламоқ).* — *Ғулломжон фикрида, қарорида маҳкам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нелар солмади соғга кўн-гаймага, Ҳеч бири ёқмади, ёқмади эинҳор.* Охири тўхтади қарорим гулга. *Зотан, гулни яхши кўрмаган ким бор?! Т. Тўла.* *Адолат биро аъзоларининг қизғин гапларини эшитди-ю, аммо улар нима қарорга келишинини аңғай олмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Элмурод] ўаида бор нарсани ҳеч аймай, Гулсунга аста-секин беришга қарор қилди.* П. Турсун, Ҳўтутувчи. *Биз ҳам бунда сиз каби Мардикка бел бойладик. Сизга ёрдам бермакка Кескин қарор айладик.* З. Дийр. **Қарор бермоқ**, қарорга, қатъий бир фикрга, тўхтамага келмоқ, жазм қилмоқ. **Фикр** (ёки гап, маслаҳат ва ш. к.) бир жойга қарор топди бир фикрга, худосага, тўхтамага келинди.

2. Расмий орган, ташкилот, мажлис ва ш. к.нинг бирор иш, масала юзасидан бамаслаҳат қабул қилинган тўхтама, ҳукми. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Шундай тўхтаманнинг тексти. *Бюро қарори. Мажлиснинг қарори. Министрлар Советининг қарори. Қарор чиқармоқ. Қарор қабул қилмоқ.* — *Зиёдаҳон Тўлаган Сулаймонов билан Сидикжон Соҳибжоновларни колхозга олиш тўғрисида правлениенинг қарорини ўқиб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3. Тинчлик, оёсийшталик; ором, фароғат. *Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хар дам куйрман ёдимга туисанг, Бир кўрмагунча йўқар қарорим.* Муқимий. *Қарори йўқ одам 1) тинчи-ҳаловати йўқ одам; 2) сабр-тоқати йўқ одам, беқарор одам; 3) қўнимсиз одам, бир жойда узоқ, муқим туролмайдиган ёки ишламайдиган одам; 4) гапнинг субути, тутуриғи йўқ одам. Қарор топмоқ 1) тинчимоқ, ором топмоқ. Сиз каби нодир шахсни амирлик рутбай олийси билан сарафроз қилмагунча, кўнелимиз қарор топмас.* Ойбек, Навоий; 2) бир жойда муқим, узоқ тўхтамоқ, ўринлашмоқ, жойини топмоқ; 3) вужудга келмоқ ва барқарор бўлмоқ. *Шунда янги тартиб, янги ҳаёт қарор топади.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси; 4) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ. *Асрлик орзулар тополди қарор.* Э. Раҳим.

4. *к.т.* Турар жой, тўхтайдиган жой.

*Ҳали мунда не манзилда қароринг? Мусофир меҳмоним, қайдаг бўласан? «Равшан».*

◆ **Ҳақ жойига қарор топади қ. ҳақ 1.**

**ҚАРОБОЗЛИК** *салб.* Амалий раҳбарлик ўрнига бўлар-бўлмас қарорлар чиқариш, расмиятпарастлик.

**ҚАРОҒОҲ** [а+ф+т] 1. Вақтинча истиқомат қилиш ёки кўниш жойи. *Чўпонлар қароғоҳи.* | Умуман яшаш жойи; маскан. *Шанба кунларининг бирда эшон қароғоҳи одатдайдек гавжум бўлди.* Ё. Шукуров, Қасос.

2. Давлат бошлиғи, ҳукумат ёки бирор давлат арбобининг доимий ёки вақтинча турар жойи; резиденция. — *Сайд афанди Анвартоишо қароғоҳидан ёзади, — деди Азмуддин, куюқ қошлари чимирлиб.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. | *Кўмондон, лашкар бошлиғи ва унинг штаби ўрнашган жой; ставка. Олий бош кўмондонлик қароғоҳи.*

**ҚАРОРСИЗ** 1. Бир ерда узоқ тура олмайдиган, қарори йўқ, беқарор, қўнимсиз.

2. Тинчи йўқ, тинимсиз, бетиним. *Йўл жимжит, фақат тўполончи шамол чанги тўзитиб, қарорсиз елади.* Ҳ. Ғуллом, Сенга интиламан.

3. Субути, тутуриғи йўқ, тутуриқсиз. *Қарорсиз одам.*

**ҚАРОРСИЗЛАНМОҚ** *Қарорини, оромини йўқотмоқ, беқарор, бетоқат бўлмоқ.* *[Нури] юрғидаг тиркаган кечинмалари, сирли умидлари билан қарорсизланган, маст бўлган каби, ҳовлида кезди, ошхонага кирди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҚАРОРСИЗЛИК** *қарорсиз с. белги оти.*

**ҚАРОҚЧИ** Йўлтўсар, босқинчи. *Денгиз қароқчилари. Қароқчилар шайқаси.* — *Кўрганда сўфи кундуз, оқшом қароқчи ҳожим.* Муқимий. *Қай қароқчи тўбди ёримнинг йўлини? А. Қодирий, Утган кунлар. — Дод! Воҳод! Қароқчилар босди! — Довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Етти қароқчи айн. Етти оғайни қ. етти. Кичик етти қароқчи айн. Кичик етти оғайни қ. етти.**

**ҚАРОҚЧИЛИК** 1. *қароқчи с. маъ. от.* *Қароқчилик қилмоқ.*

2. Зўрлик билан босиб олиш, босқинчилик — *Энди қолганини ҳам олиш йўлини ахтараетибсизлар.* Бу ўғриқ-қина эмас, қароқчилик, кундуздай ҳақнинг кўзи олдига йўлбосарлик, — *деди Хайдар.* Айний, Қуллар.

**ҚАРОҒ** 1. *эск.* Кўз қорачиғи; кўз.

2. *кўча* Кўз нури, нури дийда, чироқ. *Сенга [Уғилой] қийин, бунда ҳам кўзим етиб турибди.* Аммо бошқаларга ҳам осон эмас, қароғим. О. Ёқубов, Ларза. *Партия — қароғ-бешу, дейди халқ; Миллионларнинг қалби ақли, виждони, Кўз — қароғи, бахт нақоши, дейди халқ.* Р. Бобожон. *Эски бир кулбада, бир эру хотин, Уйлашар бўлса деб бир тутам ўтич.*



Илитсак эдик, деб оёғимизни, Уртага олардик қароғимизни. М. Алавия.

**ҚАРР** тақл. с. Қарға ва баъзи бошқа қушларнинг товуши ҳақида.

**ҚАРР-ҚАРР** қарр с. тақр. Зеркиди-му, нега «қарр-қарр» демайди қарға, қаранг. Ғ. Фулом.

**ҚАРС I** тақл. с. Нарсаларнинг бир-бирига қаттиқ урилишидан, синишидан ва ш. к.дан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. У тишида қарс этиб ёнғоқ чақди. Шиша қарс, этиб ёрилиб кетди. Қарс этган милтиқ овози эшитилди.

— **Мадамниҳўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскетдини келтириб пичоқ тортиган эди, қовун қарс этиб ёрилди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **От олдинга интилди, тириша-тириша аравани кўприкка олиб чиқди.** Лекин шу онда нимадир «қарс» этди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Раис ўрнидан туриб шофёрни чақирди, кўк «Волгага ўтириб..»** эшигини қарс бекитди-да, «кетдик» деди шофёрга. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

**2 Қарсак, чапак. Қарс урмоқ.** — **Полвоннинг рапиддек кенг кафтларидан чиққан қарс—чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Кишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқариб, оғиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай, ўйинни давом этдираман.** А. Қодирий, Жинлар базми.

◆ **Қарс икки қўлдан чиқади айн. қарсак икки қўлдан чиқади қ. қарсак.** Баробар учинг, фақат баробар учсангизгина, муҳаббат сизга қанот. Қанот жуфт бўлади, қарс икки қўлдан чиқади. А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади.

**ҚАРСАК** айн. чапак. **Қарсак чалмоқ.** **Қарсак урмоқ.** **Давомли гулдурс қарсаклар.** — **Оломоннинг қарсаги остида Нарзи тоға дастурхон кўтариб, вагонга чиқиб борди.** Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Зални гурр қарсак босди, ҳамма ўрнидан турди.** М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. **Бу қарорни маъқуллаб мажлис, Тикка туриб қарсак чалади.** Э. Раҳим.

◆ **Қарс икки қўлдан чиқади икки томонга дахлдор иш иккала томоннинг ҳаракати билан бўлади.** **Халқ қараб турмас, мен ҳам қараб турмайман.** **Қарсак, албатта, икки қўлдан чиқади.** М. Исмоилий Фарғона т. о.

**ҚАРСАКБОЗЛИК** Маъқуллаш, табриклаш, илҳомлантириш ёки норозилик каби маъноларни ифодаловчи давомли қарсақлар, чапакбозлик. **Ашша тугар-туғамас қарсакбозлик бошланиб кетди.** **Қарсакбозлик тобора кучайди.**

**ҚАРСАҚЧИ** Қарсак чалувчи одам. **Қарсакчи қизлар қарсак уриб, .. неча ўйинчи барнолар қўл қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турибди.** «Равшан».

**ҚАРСИЛЛАМА** Қарсиллайдиган, қарсиллаган овоз чиқарадиган. **Қарсиллама патир.**

**ҚАРСИЛЛАМОҚ** «Қарс» этган овоз чиқармоқ, «қарс» этмоқ. **Эшик қарсиллаб ёпилди.** **Дарахтнинг шохи қарсиллаб синиб тушди.** **Чапаклар қарсиллади.**

**ҚАРСИЛЛАТМОҚ** қарсилламоқ **фл. орт. н. [Соли] ҳовлида ўтинларни қарсиллатиб ёради.** К. Муҳаммадий.— **Ўрмонжон акамга яқин одам экансиз,— деди хотин бодрингни қарсиллатиб тишлаб,— ёмон одам бўлмасангиз керак.** А. Қаххор, Қўшчинор. **Отни қарсиллатиб кетмоқ** отни елдирмоқ, чоптириб кетмоқ. **Халиги узоқда кўринган отлиқ тўриқ йўғрасини қарсиллатиб қатта кўчага чиқди.** А. Қодирий, Утган қушлар.

**ҚАРСОҚ** Тулқиға ўхшаш, лекин ундан кичикроқ йиртқич ҳайвон. **«Борса келмас»** оролида йиртқичлардан тулки, қарсоқ, силосин бор. М. Музаев, Ўзбекистон ССР. **Қарсоқдай қотмоқ фольк.** югуришга тайёр ҳолат олмоқ (от ҳақида). **Энди Ғиркўк — бевдот от Собиб қарсоқдай қотди.** «Хушкелди».

**ҚАРС-ҚАРС** қарс с. тақр. **Қимдир қарс-қарс ўтин ёради.** С. Ахмад, Ҳукм. **Зинапоя олдида турган «Тез ёрдам»** машинасининг эшикларни қарс-қарс ёпилиб, ғириллаганча жўнаб кетди. Мирмуҳсин, Чинкиш.

**ҚАРС-ҚУРС** қарс с. тақр. [Ёкут-жон] юлғунларни «қарс-қурс» синдириб, .. ўтин тўплашга киришди. Р. Бекниёзов, Қизилжар воҳасида. **Улар .. муз парчаларини қарс-қурс босиб борар эканлар, Мاستон яна қаттиқ-қаттиқ гапириб, изоҳ берган бўлди.** Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар.

**ҚАРТА I** Отнинг ёғли йўғон ичгаи ва ундан махсус тайёрланган, кўпинча яхна қилиб ейиладиган овқат. **Шойи кийдим, кимхоб кийдим, устимда йўқ, қазни билан қарта едим, қорнимда йўқ.** Мақол.

**ҚАРТА II** [р карта] I Сурати ёки холлари билан бир-бирдан фарқ қиладиган бир тўп махсус ўйин варақчалари ва унинг ҳар бир варақчаси. **36 варақли қарта.** **Қарта ўйини.** **Қартани бўлмоқ.** **Қартани қуаир билан босмоқ.**

**2 с. т. қ. х.** Яхлит бир бўлак ер ёки экин майдони. **Мажлисининг охири шу хилдаги ғўзалар кўприқ бўлган Қамбарали ака бригадасининг учинчи қартасига кўчирилди.** А. Қаххор, Қўшчинор. **Бу қайси қарта, қайси бригаданинг қайси эвеносининг ери, сўраб билгани, кун тиғ уриб қолишига қарамай, бирор тирик жон йўқ эди.** Ғ. Фулом, Мард майдонга чиқсин.

**ҚАРТАБОЗ** [р+ф-т] Қарта ўйинига ишқибоз одам.

**ҚАРТАБОЗЛИК I** қартабоз с. белги оти.

**2** Берилиб қарта ўйнаш. **Қартабозлик қилмоқ.** I Қарта ўйини.

**ҚАРТАЙМОҚ** айн. қаримок I. **Қартайиб қолган одам.** — **Қартайсан-**

**гиз ҳам қуюлмайсиз.** Х. Назир, Яхши исм.

**ҚАРТАЛАШТИРИЛМОҚ** қарталаштирмоқ **фл. орт. н.** Экин майдонлари қарталаштирилди. Ерлар қарталаштирилди.

**ҚАРТАЛАШТИРМОҚ** қ. х. Қарталарга бўлмоқ, ажратмоқ. **Пахта майдонини қарталаштирмоқ.**

**ҚАРТАНГ** эск. Қартайган одам, қари киши.

**ҚАРТ-ҚУРТ** тақл. с. Молларнинг хашак чайнашидан чиқадиган товуш ҳақида. **Бу тинчликни сарой отхонасидаги отларнинг қарт-қурт хашак чайнашлари .. бузар эдилар.** А. Қодирий, Утган қушлар.

**ҚАРЧИҒАЙ** Қалта қайрилма тумшуқли, тирноқлари узун ва ўткир, овга солинадиган йиртқич қуш. [Мадамин] хоҳласа қарчиғайни қўлга кўндириб, този итни эргаштириб, одамлари билан тоққа чиқиб кетарди. **Каклик ови қиларди.** П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАРШИ I** Тарафдор бўлмаган, маъкул деб билмайдиган, ёқламайдиган; қувватламайдиган, қаршилик, эътироз билдирувчи, мухолиф фикрдаги. **Бунга сиздан бошқа ҳеч бир қарши киши йўқ.** || **Шу таклифега ким қарши?** | Фикри, мақсади, маслағи, манфаати ва ш. к. жиҳатидан зид, қарама-қарши бўлган, мухолиф ёки душман, рақиб, ёв. **Бир-бирига қарши синфлар.** **Қарши томонлар.** — [Годин] **душман кўп вақтда қарши кучни йўлда тўзатиб юбориш, иложини топса, қириб ташлашга ҳаракат қилишни айтди.** Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Бошқасини инкор этадиган, унга тўғри келмайдиган, зид, терс, акс, хилоф, қарама-қарши. **Бир-бирига қарши фикрлар.** **Қонунга қарши хатти-ҳаракатлар.**

**3** Рўбарў жойлашган ёки йўналган; қарама-қарши, рўбарў. **Қарши оқим.** **Қарши шамол.** **Қўнанинг қарши томони.** || **Қаршида турган одам.** **Қаршидаги боғ.** — **Ойқиз қарши томондан келган шамол-тўполонни ёриб, ҳамон олдинга интилди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қарши ҳужум (ёки атака) ҳарб.** душманнинг ҳужумига жавобан қилинадиган ҳужум, атака. **Полк командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши ҳужумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди.** А. Қаххор, Олтин юлдуз. **Қарши бормок I)** бирор кимса ёки нарсга қараб, ўшанга томон бормок, юрмоқ. **Отлиқлар яқинроқ келганда, етти-саккиз ёшлардаги бир қиз бола қарши юурди.** А. Қаххор, Хотинлар; **2)** тескари, зид ҳаракат қилмоқ, зидига юрмоқ, хилоф иш қилмоқ. **Эрининг рағбига қарши боришдан фойда йўқлигини билди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Қарши келмоқ I)** зид бўлмоқ, тескари бўлиб чиқмоқ, хилоф бўлиб тушмоқ. **Уларнинг жавоблари кечая экиннинг оқлашингизга сира қарши келмайди.** А. Қо-

дирий, Утган кунлар; 2) дуч келмоқ, рўбару келмоқ, юзма-юз учрашмоқ. Улар боғдан чиқши олдиди, бир йиғитга қарши келди. Ойбек, Кутлуғ қон. **Қарши олмоқ** 1) кутиб олмоқ, қаршиламоқ. Меҳмонларни қарши олмоқ. Байрамни катта тайёргарлик билан қарши олдик; 2) бирор иш, тадбир, таклиф ва ш. к.га нисбатан ўз муносабатини билдирмоқ. Гулнор бу хабарни жуда совуқ қарши олди. Ойбек, Кутлуғ қон. **Қарши турмоқ** қарши чиқиқ, монелик кўрсатмоқ, тўсқинлик қилмоқ. Биз янги ҳаёт қураётимиз, ўртоқлар. Душманлар бизнинг бу ишимизга тиш-тирноқлари билан қарши турибдилар. Х. Ғулум, Машғал. **Қарши тушмоқ** эск. айн. **қарши турмоқ.** Унинг [Ҳасаналининг] бу фикрига Кумуш билан онаси қарши тушибилар. А. Қодирий, Утган кунлар. **Қарши чиқмоқ** 1) пешвоз чиқмоқ, кутиб олмоқ; 2) айн. **қарши турмоқ.** Механизацияга қарши чиқишлар бўлиб турадилми, бўлса қарши чиққан одамларнинг дадил ва исботлари нималардан иборат? А. Қаҳхор, Қартина. **Қарши қўймоқ** 1) бирини иккинчисига қарама-қарши, муҳолиф, зид қилиб қўймоқ. Ермат... Йўлчини ўз қўлига олиб бошқаларга қарши қўйишни истар эди. Ойбек, Кутлуғ қон; 2) бирини иккинчисига қаратиб, рўбару қилиб қўймоқ.

4 қўм. (ж. к. билан) Бирор иш, нарса ва ш. к.нинг бошқасидан сақланиш, унинг олдини олиш, даф этиш, қайтариш ва ш. к. мақсадлар учун қаратилганини билдиради. Бургага қарши дори. Ёнғинга қарши қураш чоралари. Танкка қарши отадиган замбарак. 5 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. қаршисига, қаршисидан).

◆ **Бахтга қарши қ. бахт.** Қарши куда ўзаро қиз бериб, қиз олишган қудалар (бир-бирига нисбатан). Ҳар эҳтимолга қарши қ. эҳтимол.

**ҚАРШИЛАМОҚ** Кутиб олмоқ, қарши олмоқ. Меҳмонларни қаршилаб олмоқ. — Қани мен келганда кулиб қаршилаб, Қўшиғи мавжлашиб бир дарё оққан. Зулфия. Янги позиция ишғол қиласан-да, янги кучлар билан душманни қаршилайсан. Ойбек, Қуёш қораймас. **Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚАРШИЛАНМОҚ** қаршиламоқ фл. мажж. н.

**ҚАРШИЛАШМОҚ** 1 қаршиламоқ фл. бирг. н. Уқувчилар муаллимни тикка туриб қаршилади.

2 Бир-бирига қарши, тескари бўлиб қолмоқ, зидлашмоқ.

**ҚАРШИЛИК** 1 қарши 1—3 с. белги оти. Фикрларнинг қаршилиги. Қаршилигини яширмоқ. — Ул ҳар нарса деса, фақат Марғилондан уйланданинга қаршилигидан айтадир. А. Қодирий, Утган кунлар. Тўраҳоннинг энди хиёл

қизара бошлаган юзида қаршилик белгилари йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қарши фикр, норозилик, эътироз. **Қаршилик билдирмоқ.** — **Қаршилик йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр.** Ғайратий.

3 Қарши ҳаракат, акс таъсир, монелик, тўсқинлик. **Душман қаршилигини енгмоқ.** **Қаршилик қилмоқ.** **Қаршилик кўрсатмоқ.** — **Шу вақт нарироқдан залл берилди, пулемётлар овози эшитилди, қаршилик қучайганини кўрган саломат ҳавога кўтарилганча қайтиб келмади.** И. Раҳим, Чин мухаббат. **Бектемирнинг кўзлари уйқунинг кучли сеҳрига қаршиликдан ожиз.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилигига учрайди,— бу қонуний.** С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Материаллар қаршилиги** 1) материалларнинг деформацияга, яъни ўз шаклининг ўзгаришига зидлик кўрсатиш хослати, ўз шаклини сақлашга интилиш хусусияти; 2) деформация ҳодисаларини ўрганувчи ва шу асосда машина ҳамда иншоотларнинг пухталлигини ҳисоблаб лойиҳалаш йўллари ни белгиловчи фан.

**ҚАРШИМА-ҚАРШИ** 1 Бир-бирининг рўпарасида бўлган; қарама-қарши, рўбару. **Қаршима-қарши уйлар.** || **Қаршима-қарши жойламоқ.**

2 Бир-бирига қарши, тарафма-тараф. **Қаршима-қарши гуруҳлар.** || **Қаршима-қарши бўлиб йўнамоқ.**

**ҚАРШИСИГА** кўм. вазифасида Қарама-қарши, пешвоз. **Қаршисига қармоқ.** **Қаршисига чиқмоқ.**

**ҚАРШИСИДА** кўм. вазифасида 1. Рўпарасида, тўғрисида, қарама-қарши. **Йўлчи унинг қаршисида бир минут таажужубланиб, сўнг жавоб берди.** Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Нисбатан, олдиди. **Укасининг мантиқи қаршисида Ҳакимбойвачча ҳам эсанкираб қолди.** Ойбек, Кутлуғ қон.

3 Қўра, қараганда. **Ўз хотини.. булар қаршисида кўзига фаришта бўлиб кўринади.** А. Қаҳхор, Майиз емаган хотин.

**ҚАРШИСИДАН** кўм. вазифасида Қарама-қарши томонидан, рўпарасидан. **Қаршисидан чиқмоқ.**

**ҚАРҚАРА** Бўйни, тумшуғи ва оёқлари узун ботқоқ қуши; қўтонларнинг бир тури. **Экинлар қарқарадай бўлиб турибди** экинлар жуда авж олиб яшнаб турибди.— **Бу йил хўб ишладик,— дейди Хайрихон,— Яшнади ғўзалар бўлиб қарқара.** Х. Расул.

**ҚАРҚУНОҚ** Чумчуқлар туркумига мансуб, тумшуғи эгилган, хашарот, майда парранда ва хайвонлар билан овқатланадиган қуш.

**ҚАРҒА** 1 Патлари тим қора (қора қарға) ёки қора билан кул ранг аралаш (ола қарға) кўчманчи қуш. Бир қарға билан қиш келмас. Мақол. **Қарға қарғанинг кўзини чўқимас.** Мақол. **Гўн қарға қ. гўнқарға.** **Кўк қарға қ. кўкқарға.**

2 Ўйин қартасининг найза учига ўхшаш қора холли тури. **Қарғанинг саккизлиги.**

◆ **Қарға жийда қ. қарғажийда.** **Қарға шойи шойнинг қора сариқ, кўк гулли тури.** **Бир кийимлик қарға шойи.** || **Қарға шойи кўйлак.**

**ҚАРҒАЖИДА** Меваси майдароқ бўладиган ёввойи жийда.

**ҚАРҒАЛМОҚ** қарғамоқ фл. мажж. н. **ҚАРҒАМОҚ** Бировга ёмонлик, бахтсизлик ёки ўлим тилаб койимоқ. **Қиз Мирзақаримбойларни, ҳокимларни, тўраларни қарғайди, уларга ўлим тилайди.** Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚАРҒАНМОҚ** 1 қарғамоқ фл. ўзл. н. 2 Ўзича кимнидир қарғамоқ. **Электрнинг тилига тушунадиган бир маст бир бўш патронга пичоқ тикди-да, бутун чироқларни ўчирди ва то монтер келиб тузатмагунча, хотинларнинг қарғанган, сўкинган товушлари узилмади.** П. Қаҳхор, Сароб.

**ҚАРҒАТМОҚ** қарғамоқ фл. орт. н. **ҚАРҒАШ** қарғамоқ фл. иш оти.— **Қарғашнинг ҳеч кераги йўқ,— деди Марҳамат.** — **Лекин бунақа талтайтириш ҳам яхшимас-да.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚАРҒАШМОҚ** 1 қарғамоқ фл. бирг. н. **Қизлар урушини .. бошлаганларни титраб қарғашарди.** А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 Бир-бирини қарғамоқ. **ҚАРҒИШ** Қарғаш ибораси. **Ёмон қарғиш.** **Енгил қарғиш.** **Қарғиш эшитмоқ.** — **Отинойининг .. оғзидан қарғиш ва нолиш аримай қолди.** П. Турсун, Ўқитувчи. [Кумуш:] **Аммо.. севганингиз — кенжанеининг жерқишларидан, қарғишларидан беҳад кўрқаман.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**Қарғиш урган** қарғиш эшитиб жазоланган, лаънати. **Қарғишга қолмоқ** (ёки **учрамоқ**) қилмишига яраша қарғиш эшитиб жазо тортмоқ. **Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртининг қарғишига қолди.** Х. Ғулум, Машғал.

**ҚАРҒИШЛАМОҚ** диал. Қарғамоқ. **Қиз берганни қарғишлаб.. Хон ўртанди тобора.** Х. Олимжон.

**ҚАСАВА** 1 Узун докадан аёллар бошига баланд қилиб ўраш учун қўйилдиган картон тутқич ва унга ўралган рўмол; дакана. **Эшик олдиди бизни оқ докадан баланд қилиб қасава ўраган қотма, бўйдор аёл кутиб олди.** Б. Дамянов, Одамдан яхши ном қолсин.

2 диал. Бешикнинг кўприги.

**ҚАСАМ** [а] 1 Ўзининг ҳақлиги, сўзининг тўғрилиги ва ш. к.ни тасдиқлаш, уларга бошқаларни ишонтириш учун муқаддас нарсалар, кимсалар номини оғизга олиб айтиладиган оғир сўз; онг. | **Қатъий ваъда, сўз. Қасам(и)дан қайтмоқ.** **Қасам(и)ни бузмоқ.** — **Қабулга келганларни қунт ва чидам билан эшитиш, улар қўйган масалани ҳал этиш** **Ойқиз учун темир қонун, тантанали қасам эди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Содиқлик ҳақида расмий равишда берилмаган тантанали ваъда, қасамёд. Майли ёмғир, қор ёғсин ўз постимдан кетмайман. Аскарлик қасамимга ҳеч хийнат этмайман. Уйғун. [Бой:] Уларга, агар хизматимни қабул қилсангиз, кўп нарса бераман деган ва имом олдидан, ваъдам устидан чиқмасам хотинталоқ бўлай деб қасам ичган. Айний, Эсдалиқлар.

◆ Қасам бермоқ расво қилмоқ, расвосини чиқармоқ. Қийимга ҳам қасам берибсан. Қасам урган жуда ёмон.

**ҚАСАМЁД** [a+ф-т] 1 Катъий ваъда, онг. Олимжон ва Ойқиз гўзаларни бўрон зарбидан сақлаймиз, деб қасамёд қилган экан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Халқимизнинг бахти учун жон-танзим билан курашаман, душманга раҳмсиз бўламан, деб қасамёд этдим. Ойдин, Садаганг бўлай, командир.

2 Содиқлик ҳақидаги расмий ваъда, қасам. Аскарликка янги чақурилганлар ҳар йил Совет Армияси кунни қасамёд қиладилар.

**ҚАСАМХЎР** [a+ф-т] Бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, қасам ичиб ундан қайтаверадиган, қасамнинг бурди йўқ. Қасамхўр одам. — Дашном бераверманг. Нормат ака,— деди Эмин,— ҳозиргина қасамёд қилдим. Қасамхўр эмасман! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАСД** [a] 1 Албатта амалга ошириш кўзда тутилган, жазм этилган катъий ният, мақсад, азм-қарор, ахд. Қасд қилган — ўзар, ҳасад қилган — тўзар. Мақол. — Агар Фуломшиер қасд қилса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиққишига ҳамма ишонар эди. Ойбек, Нур қидириб. Уйдан чиққиданок унинг [Отабекнинг] қасди бу кунни далада ўтказмоқ эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У Мунисхондан уни совиштиш қасдида эди. А. Қаххор, Сароб. | Ғаразли ният; сунистеъмол. Давлат мулкни ҳар қандай қасдлардан сақлаш. — Қишилларнинг юзида, кўзида, қадам ташлашида, хатти-ҳаракатида унинг бахтига қасд қилган кучга қарши қудрат ва қасос ақли бор. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Адоват, кек; қасос, ўч. Қасд олмоқ. Бировга қасд бўлиб қолмоқ. У менга қасд. — Сен жинни бўлдингми? Ё менда бошқа бир қасдинг борми? «Латифалар». Нима қасдинг бор? 1) қандай мақсаднинг, ниятнинг бор? мақсаднинг, ниятнинг нима?; 2) қандай адоватнинг, ўчинг бор? Биз бечораларда нима қасдинг бор эди, шунчалик царманда қилдинг? М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Бировнинг] жонига қасд қилмоқ (ёки этмоқ) ўлдириш, йўқ қилиш учун ҳаракат қилмоқ, суиқасд қилмоқ. Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртнинг қарғишига қолди. Х. Ғуллом Машғал. [Бировнинг] қасдига тушмоқ пайига тушмоқ, йўқ қилиш учун ҳаракат қилмоқ. Куч-қувват йиғилди шунинг

дастига, Энди тушиди босмачининг қасдида. «Фольклор». Қасдида бўлмоқ 1) бирор мақсадда, ниятда бўлмоқ; 2) ўч олиш; йўқ қилиш, ўлдириш ёки қўлга тушириш ва ш. к. ниятда бўлмоқ. Уйингиз орқасини тешиб, Кулуш қасдида бўлувчи.. ҳам шу баттол Ҳомид экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўхтамади йўл босди, Душманининг қасдида, Ўқ солинган тўппонча Тайёр эди дастида. Уйғун.

◆ Жонингда қасдинг борми? жонингдан тўйдингми?, жондан безор бўлдингми? Жонингда қасдинг борми, бунча ароқни қувмасанг. «Муштум», 1961, № 3.

**ҚАСДАН** [a] рвш Маълум бир мақсад билан, жўрттага, атайлаб. У буеун қасдан келмади. Қасдан шундай деди.

**ҚАСДОР** [a+ф-т] Қасди бўлган, ёвуз ниятди. Қасдор ёвларга Чегара бекки! Туйғун.

**ҚАСДЛАНМОҚ** кам қўлл. 1 Қасд қилмоқ.

2 Йўқ қилиш пайига тушмоқ; суиқасд қилмоқ.

**ҚАСДЛАШМОҚ** Қасд, душман бўлмоқ, қаршилашмоқ, ўчакишмоқ. Насиҳатимизни қулоғига олмади, танқидимизни ғалати тушунди, қасдлашиб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАСДМА-ҚАСДГА** рвш Қимса билан қасдлашиб, ўчакишиб. Қасдма-қасдга бел олишмоқ.

**ҚАСИДА** [a] Энг камида ўн икки байтли мадхия, марсия ёки дидактик мазмундаги шеър жанри ва шу жанрга мансуб шеърнинг ўзи. Ғалабамиз ҳақида қасида. Ҳамид Олимжоннинг қасидаси.

**ҚАСИДАГҮЙ** [a+ф-т] 1 Қасида ёзувчи шоир, қасиданавис.

2 кўчма салб. Хушомадгўйлик билан кўкка кўтариб мақтовчи; мадхиягўй, мадлоҳ.

**ҚАСИДАНАВИС** [a+ф-т] айн. қасидагўй 1.

**ҚАСИДАЧИ** айн. қасидагўй 1.

**ҚАСИР** 1 тақл. с. Ёғоч ва шунга ўхшаш нарсаларнинг чатнашидан ёки синишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Шамода бақатерак қасир этиб синиб тушиди.

**ҚАСИР** II [a]: ақли қасир эск. кт. ақли қисқа, ақли етуқ бўлмаган; қисқа ақл. Башарти сиз киromлар ул бепарҳез золимнинг мингбошилик вазифасидан.. [бекор қилишга] аздилу-жон бел боғлаган бўлсаларингиз биз фақирларнинг ақли қасиримизга бир андиша келадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚАСИРА-ҚУСУР** айн. қасир-қусур.

**ҚАСИРЛАМОҚ** Қасир этган овоз чиқармоқ, қасир этмоқ, қарсилламоқ. Ер қимирлаганда сини деворлар қасирлаб кетди. — Орқада миналар гумбурлади. Қаердадир ўрмонлар қасирлади. Ойбек, Кўёш қораймас. От боради асирлаб, Отган ўқдай тасирлаб, Тилла узанги, маҳси-кавуш Телсинганда қасирлаб. «Равшан».

**ҚАСИРЛАТМОҚ** қасирламоқ *фл. орт. н. Тишида қасирлатиб ёнғоқ чақмоқ.*

**ҚАСИР-ҚУСУР** қасир I с. тақр. айн. қарс-қурс. Улар саратоқ офтобидан қовжираб қолган кўкатларни қасир-қусур босиб озроқ юрганларидан кейин.. жангчини кўрдилар. С. Зуннунова, Олов. Юк вагонлари қасир-қусур қилиб у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди. С. Аҳмад, Таъзим. || Кетма-кет иккита мина тепализдан чийиллаб ўтиб кетди. Орқасидан автоматларнинг қасир-қусури эшитилди. М. Муҳамедов, Одерга.

**ҚАСИРҒА** кт. Уюрма, қуюн. Тўфон қасирғани зўримиз енгиб, Ваҳшат ғалаёни топди асойиш. Ғ. Ғуллом.

**ҚАСМОҚ** I Уст-бошга ўтирган қалин кир қатлами, қатирма кир. Ёнелари бир элик қасмоқ. || Қасмоқ сочиқ. — Шунча юриб нима орттирдине? Мана шу жулдур чопон билан қасмоқ дўппиними? С. Аҳмад, Қадрдон далалар. | Бошдаги қалин қазғоқли кир қатлами. Қасмоқ боғламоқ 1) қалин кир билан қопланмоқ. Дўппи қасмоқ боғлаб кетибди; 2) қалин кир қазғоқ билан қопланмоқ. Бошлари қасмоқ боғлаган, оёқ яланг болалар.. сопол косаларда қаймоқ олиб ўтадилар. Ғ. Расул, Адолат.

2 Бирор нарсанинг қотиб қолган устки қатлами; қатқалоқ. Шўри қалин қасмоқ бўлиб ётган бу ер ўтган йилли баҳорда инсон қадами тегмазандай эди. Й. Шамшаров, Ойдин кўллар.

**ҚАСМОҚЛАМОҚ** Қалин кир билан қопланмоқ, қасмоқ боғламоқ. Қасмоқланган лунги.

**ҚАСМОҚЛАНМОҚ** қасмоқламоқ *фл. ўзл. н.*

**ҚАСОС** [a] Ўч олиш, қилган ёмонлигига яраша қаримта қайтариш; ўч, интиқом. Қонли қасос. — Совет давлат қурилишининг дастлабки йилларида курашлар авж олди, қурбонлар қасосга ундади. Зулфия, Чўққилар. Йўқ, мен таъна қилмайман. Кўрсин, куйиб ўлсин. Шунинг ўзи қасос бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Зумрад, сенинг ҳар томчи ёшинг учун Ширмонхонга ўхшаганлардан қасос оламан. С. Зуннунова, Гулхан.

**ҚАСОСКОР** [a+ф-т] Қасос олувчи, қасосчи.

**ҚАСОСЛИ** Ҳар ким қилмишига яраша жазо тортадиган, қасос, қаримта қайтарадиган; қаримтали.

◆ Қасосли дунё қасос, қаримта қайтадиган дунё. Сабр қил, ўғлим. Бу қасосли дунё қайтади. Н. Сафаров, Уйғониш.

**ҚАСОСЧИ** айн. қасоскор. Халқ қасосчиларининг муқаддас бурчи шу! Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча биз ундан ўч оламыз! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚАСР** [a] 1 Подшолар, хонлар ёки феодалларнинг хашаматли саройи; кўшк. [Қадимилар] ажойиб қасрлар, саройлар, мадрасалар ва ирригация

қурилиш иншоотлари яратди. Ойбек, Нур қидириб. | Қалъа, қўрғон.

2 *кўчма* Хар қандай мухташам бино, данғилмай уй, тоқ-равоқ, кошона. *Сўрма эй бедард, қасру боғу мулкимни менинг.* Муқимий. Араб қизларидан биттасини олдириб келсамчи, қасримга ўн хил ўзгарши киради. А. Қаххор, Барон фон Ринг

**ҚАССОБ** [а] Мол сўювчи ва гўшт билан савдо қилувчи одам: *Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин.* Мақол. Эчкига жон қайғуси — қассобага ёғ қайғуси. Мақол. — Эшиқдан кирганнинг иккинчиси шу ерлик Зокирхўжа қассоб эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҚАССОБЛИК** 1 қассоб с. қасб оти. Қассоблик қилмоқ.

2 Бозорда қассоб дўконлари жойлашган раста, гўшт растаси.

**ҚАССОБЧИЛИК** Қассоб қасби, қассоблик. [Жонфигоннинг] шундан кейин қилмаган иши қолмабди деса бўлади: гулфурушлик дейсизми, том шувоқ дейсизми, қассобчилик дейсизми.. бир-икки ҳафта бозорда қовун тилиб ҳам сотибди. А. Қаххор, Жонфигон.

**ҚАСҚОН** 1 Ғалбир, элак, чирманда ва ш. к. буюмларнинг гардиши, чамбарак. Чирманданинг гардиши, чамбарак. Чирманданинг қасқони, Банди борми осгани. *Уйнасанга ўйнаб олгин, Ёринг борми тўсанга?* М. Алавия. | Ғилдирак. Қасқон ўйнамоқ бол. Ғилдирак ўйнамоқ, ғилдирак ғилдирашиб югурмоқ.

2 Мант пишириладиган махсус қозон ва унинг мант териб қўйиладиган ҳар бир чамбараги. *Юзта мант илтидиган қасқон.* — Нигор ойим ошхонада мантилари қасқонга териб, қозонга уяр. Раъно бўлса, кичкина укалари орасида ўтирар эди. А. Қодирий, Мехробдан қаён.

**ҚАТ** 1 1 Қават-қават ёки қатлам-қатлам нарсаларнинг ҳар бир қавати, қатлами; тах. *Тўрт қат букланган кўрпача.* — Азмидин бир варақ қозондаги бир неча қат букланган хатни олиб, чироқ шўъласига тутиб кўздан кечирди. Х. Ғулум, Машъал. Имомни асрайман десанг, бу ерлардан бош олиб кетиш керак. Бўлмаса етти қат ер тағида ёниб турган дўзахда қовурилсан. С. Анорбоев, Оқсой. Ичкарида хотинлар мажлиси: .. уйлар хотинлар билан тўлган, .. биров ёв-ёр ўқиб, тагин биттасининг кўзини ичига сиймай хахобла дунёни бузадди, хуллас, бағ-буғ етти қат кўкдан ошади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тахланган, букланган нарсаларнинг ораси. *Кўрпанинг қати.* — *Ҳожимат белбоғининг қатидан қозғоз чиқазиб ташлади.* С. Ахмад, Қадрдон далалар. *Мехри опа биринчи конвертни очди.. Иккинчисини очди-ю, хатнинг қатидаги расмега кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди.* Р. Файзий, Она.

3 Маълум қалинликдаги ёйиқ нарсалар қатлами, қават. *Бир бечоранинг чеккан хўрлигини ўйлаб, ҳар кун*

*бир қат этдан тушаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мана мен геолог,— неча йилдирик — тинмай ўраналган тупроқ қатини.* Зулфия.

4 *кам қўлл.* Сахифа, варақ. *Варақлар етимликнинг дафтарин қати.* Ғ. Ғулум.

5 *кам қўлл. айн. қатор* 1. *Ойна опа ички бир-тироқ товуш билан ингранди. Қаншарида икки қат ажин бўртди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**КАТ** II Марта, қарра, қатла. *Уста Фарфи уни яна бир қат кўздан кечириб олгач, чўққалашини бузиб, чордона қуриб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *А электр? Деҳқончиликни ўн қат юқорида кўтаради.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАТ** III *сўр. олми, с. т.* Қаер?, қайси ер?, қайси жой? [Шербек:] *Узоқлиги қатга борарди? Қўли билан тўрт-беш кунлик йўл.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КАТ** IV *эск.* Устига қамиш қалам учини қўйиб туриб, пичоқ билан кесиш учун суйқандан ясалган тахтача.

**КАТ** V [а]: қат этмоқ с. т. айн. қатъ этмоқ қ. қат(ъ).

**ҚАТАҒОН** *эск.* Тақиқ, ман. *Қатағон қилмоқ.* || *Бу ерда чекиш қатағондир.*

**КАТИМ** 1 Иш тикишда: тикилаётган иш билан ёзилган қўл учи орасидаги масофа. *Бир қатим ип игнага бир марта ўтказиб иш тикишга етадиган шу ўлчамдаги ип.* *Қудожон, бемалол бўлса, ўша ҳаво ранг ипақдан бир қатим беринг.* А. Қаххор, Янги ер.

2 Иш тикишда: игна ёки сўзанни бир марта тортиш. [Унсин] *маҳсининг чоки пишиқ бўлсан учун мумли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўяди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мунча ҳам бежирим қўл ҳунарингиз.. Хар қатим, ҳар чоқда катта маҳорат.* Ғайратий. **Қатим** тортмоқ игна ёки сўзан билан иш тикмоқ. *Онахон бўлса жинчироқда туни билан ўтириб дўппи тикар, энди олти ёшга кирган Башоратни зўр бериб қатим тортишга ўргатар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Ингичка ип, тола. *Қўпол ип узилди, майин ип чўзилади. Нозик қатим игнадан силлиқ ўтади, оғайни.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. [Зухра] *биринчи секцияни ўзи ўраб кўрсатди, кейин дугонасига секциянинг қатимларини санашга буюрди.* Ибохон, Улуғ кун.

**ҚАТИМЛАМОҚ** 1 Ип, ипақ ва ш. к.ни қатим-қатим қилмоқ.

2 Қатим тортиб иш тикмоқ.

**КАТИРМА** 1 Оширилмаган ҳамирдан қозонда ёғсиз пиширилган юпқа нон. *Отасига деб, хурмачага солинган ошининг устига битта қатирмани ёпиб, рўймолчага тугеди-да, чиқиб кетди.* Ойдин, Гулсанам. **Қатирма нон айн. қатирма** 1.

2 Кийим ёқаси, елкаси, кўкраги текис турсин учун авра билан астар орасига қўйиладиган крахмалланган

мата. *Кўкрагига қатирма қўйиб тиқилган костюм.*

3 *кўчма с. т.* Қалин кир, қасмоқ. *Умрида ҳаммом ва совун кўрмагандан бўлса керак, икки юзлари қатирма бўлиб кетган қўй кўзали бола келиб рўпарамда тўхтади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. **Қатирма кир айн. қатирма** 3.

**КАТИРМАЛАНМОҚ** Қатирма кир бўлмоқ, қасмоқ босмоқ, қасмоқланмоқ. *Мўйсифид сартарош уни бақувват шалоқ курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига илтиб, бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАТИҚ** Сутдан томизғи солиб ивтиб тайёрланган махсулот. *Янги ивтилган қатиқ.* *Қатиқ тўқилса, юқи қолар, айрон тўқилса, неси қолар.* Мақол. *Сутдан оғзи қуйган қатиқни ҳам пуфлаб ичоди.* Мақол. — *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган-ғўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаххор; Анор.

◆ **Миянинг қатиғи с. т.** Мия. *Шер яна Шерзоднинг устига ташланмиша ўзини чоғлаб кўрди, лекин миясининг қатиғи қилиб ҳолсизлангани учун мажоли келмади.* «Эртақлар». **Офтобда** (ёки офтобшувокда) қатиқ ичишган (ёки ялашган) одамлар ҳамтовоқ улфатлар. *Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликка қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. **Офтобда қатиқ ичишган қариндош** узоқ қариндош, чатишган қариндошлар. *Ҳар ошга (ёки мошхўрдага) қатиқ бўлмоқ ҳар ишга аралашавермоқ, суқилавермоқ.* *Мошхўрдага қатиқ бўлиб, Очилни аранг суяб қолдим-у, совхознинг бир бўлимига агроном қилиб қўйдим.* А. Мухиддин, Юзига чарм қоплаган киши.

**КАТИҚЛАМОҚ** 1 Қатиқ қўшмоқ, қатиқ солиб хушхўр қилмоқ, оқламоқ. *Мошхўрдани қатиқламоқ.*

2 Қатиқ суртмоқ, қатиқ билан хўлламоқ. [Кумуш] *сочини қатиқлаб, совунлаб ювгач, .. иккита қилиб ўрдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАТИҚЛАНМОҚ** қатиқламоқ *фл. мажх. н.* Қизчасининг овози билан бирга кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КАТИҚЛИ** Қатиқ қўшилган; қатиқ солинган, қатиғи бор. *Қатиқли хурмача.* — [Меҳмонлар] *олдиларига қўйилган бир қосадан қатиқли ғўжани ёғоч қошиқ билан ича бошладилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КАТИҚСИЗ** Қатиқ қўшилмаган, солинмаган, қатиғи йўқ, беқатиқ. *Куюқ ёки суюқ, ёғли ёки ёғон, қатиқли ёки қатиқсиз, ишқилиб ҳар қайси оила ўз топган-тутганини дастурхонга қўйиб баҳам кўрадиган муқаддас пайт.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КАТИҚФУРУШ** айн. қатиқчи.

**КАТИҚЧИ** Қатиқ билан савдо қи-

лувчи, қатиқ сотувчи; қатиқфуруш. [Зулукхон] колхоз ишидан қочиб, қишлоқдан шаҳарга қатнайидиган эпчилгина қатиқчи қиз эди. Х. Гулом, Сенга интиламан.

**КАТЛ** [а] кт. Ўлдириш; ўлдирилиш. Қатл қилмоқ. — Мўмин Мирзосини қатл этди жаллод, Тўлқ мақсадада Мажиддин этиб шод. Ҳабибий. Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тиргаги эди. Унинг қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қатл(и) бедод омон қолдирмай ўлдириш; омонсиз ўлим. Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг мени аҳволима, Қатл бедодиндин энди қилуқол айлаб кетай. Ҳамза, Паранжи сирлари. Қатли нафс ўз-ўзини ўлдириш. Қатли ом ёппасига ўлдининг, қириш; қирғин. Мажлис фақат қилчоқларга қатли ом учун йиғилган экан. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КАТЛА** Марта, карра. У менга.. Ленин билан суҳбатлашганини айтиб берди. Шундан кейин Голубева муҳаббатим яна юз қатла ошди. Х. Гулом, Машъал. [Роҳила:] Шукур, худога минг қатла шукур, кўзим очиқлигида қизгинамнинг тўйини кўрайдиган бўлдим. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**КАТЛАМ** 1 Маълум қалинликдаги ёки қат-қат ёйиқ нарсалар қавати; қат. Шағал қатлами. Атмосферанинг юқори қатлами. Тупроқнинг устки қатлами. — Даранинг икки ёни жуда тик; неча терак бўйи баланд тош қатлами девордай юксалиб, худди зангори кўлданг жамирлаган осмонни кўтариб тургандай ўхшарди. Х. Назир, Сўнас чақмоқлар.

2 геол. Таркиби асосан бир хил бўлган чўкиндилардан иборат тоғ жинсларининг ёйиқ қавати. Оҳақ қатлами. Тошкўмир қатлами.

3 кўйма Кишиларнинг айрим белгилари билан бирлашган группаси; табақа.

4 кўйма Ҳар қандай нарсанинг айрим белгиларига кўра бирлашган группаси. Тилнинг лексик қатламлари.

**КАТЛАМА** Ёғли хамирдан қатламлиб ёғ суриб юпқа ёйи ёгда пиширилган нон. Қатлама пиширмоқ. — Патнисларда, тоғораларда, саватларда кулча, қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**КАТЛАМЛАМОҚ** 1 Қатлам-қатлам қилиб тахламоқ, термоқ. Олма яшикка қатламлаб жойланди.

2 Алоҳида қатламга ёки айрим қатламларга айирмоқ. Сюдани қатламламоқ.

**КАТЛАМЛАНМОҚ** қатламламоқ фл. мажх. н.

**КАТЛАМЛИ** Бир ёки бир неча қатламдан иборат бўлган; қатлам-қатлам. Қатламли булутлар.

**КАТЛАМОҚ** Юпқа нарсаларни буклаб қаватламоқ, букламоқ. Қоғозни иккига қатламоқ. Кўрпачани тўрт қатлаб солмоқ. | Юпқа нарсаларни уст-

ма-уст ёки ёнма-ён қилиб, қаватлаб тахламоқ, термоқ. Фанерларни қатламоқ.

**КАТЛАМ-КАТЛАМ** 1 Бир неча қатламдан иборат бўлган; қат-қат. Қатлам-қатлам тоғ жинслари. Қатлам-қатлам булутлар. | Устма-уст ёки ёнма-ён тахланган, терилган. Пастда кичкина тоғ ирмоғи қатлам-қатлам бўлиб ётган зинасимон тошларда сакраб ўйнайди. Х. Аҳмар, Қим ҳақ?

2 Ажин босиб буришган, буришиқ. [Қудратиллаҳўжа] қотма, серсуяк бўлса ҳам, қатлам-қатлам пешанаси ва айниқса бурни жуда эйшитдор. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КАТЛАНМОҚ** 1 қатламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Қат-қатгина қатламалар, Қатланиди, ёр-ёр. Қизни олиб янгалари Отланиди, ёр-ёр. «Кўшиқлар».

2 Тиршимоқ, буришмоқ. Уфққача борар дашт, Баъзиларнинг кўнгли гаши, Тушди қўлтиқдан тарвуз.. Қатланди ғунчадек юз. Е. Мирза.

◆ **Қатланиб ётибди** (ёки турибди) жуда кўп, тиқилиб, қалалиб ётибди. Янги қатла ишлар, ҳали ўқиб тамомланмаган кўп томли асарнинг саҳифаларидек, қатланиб турибди. И. Раҳим, Ихлос.

**КАТМА-КАТ** 1 Қават-қават, қат-қат ёки бирин-кетин жойлашган. Душманнинг қатма-қат мудофаа линияларига бўлган умидлари пучга чиқди. А. Раҳмат, Матросов зигдан.

2 кўйма Тахланиб, йиғилиб ётган, жуда кўп. Бугун бутун олам шундай кўҳликки, Қарайман, юракда севинч қатма-қат. Ж. Жабборов. | Сидиқжон.. бу жойларни ҳазин бир қўшиқни хиргойи қилиб кезар экан, назарида кўп замондан бери кўкграига қатма-қат бўлиб ётган дард-ҳасрати шу қўшиқ билан чиқиб кетаётгандай бўлар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**КАТНАЛМОҚ** қатнамоқ фл. мажх. н. Мактабга шу йўлдан қатналади.

**КАТНАМОҚ** 1 Мунтазам равишда, белгили пайларда бориб келмоқ, юриб турмоқ. Москвага самолёт ҳар кунни беш марта қатнайди. Автобуслар кечгача қатнайди. | Умуман такрор-такрор бориб келмоқ. Шаҳарга ёзи билан қатнадим. Қатнаб оёқдан қолдим. — Полвон ҳам қумларни яхши билади, саратоннинг жазирама иссиғида қанча-қанча марта ўтинга қатнаган эди. Ж. Шарипов, Хоразм. | У ён-бу ён ўтмоқ. Отли, яв.. ўткинчилар тўрт томонга қатнаб турадилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Уқиш, машғулот ва ш. к.га мунтазам бориб-келиб турмоқ, давомли иштирок этмоқ. Уқишга қатнамоқ. Тўғаракка қатнамоқ. Боғчага қатнамоқ. Қатнаб ўқмоқ. — Кечгина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йиғит бўлиб кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Зиёдахон] ўтган йил қиши билан районга докторга қатнади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**КАТНАМОҚ** қатнамоқ фл. орт. н. Дард болани боғчага қатнатмай қўйди. **КАТНАШМОҚ** 1 қатнамоқ фл. бирг. н. Улар йил бўйи шаҳарга қатнашди.

2 Бирор иш-ҳаракатда бошқалар қатори иштирок этмоқ, фаолият кўрсатмоқ. Мажлисида қатнашмоқ. Пахта жеримида қатнашмоқ. Сайловларда қатнашмоқ. Спектаклда қатнашмоқ. — Петька фронтга Аҳмаджондан уч ой чамаси бурунроқ келган ва бир неча жангда қатнашган экан. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Ҳамкорлик қилмоқ. Газета-журналларга қатнашиб турман, яқинда бир кичкина китобим ҳам босилиб чиқди. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. | Аралашмоқ, қотишмоқ. Мулла Абдусалом ва унинг ошдошлари.. мулла Туробнинг кавуши жанжалга қатнашмаган эдилар. Айний, Эсдалиқлар.

**КАТНАШТИРМОҚ** қатнашмоқ фл. орт. н. Сайловларга ҳаммани қатнаштирмоқ. — Нега тафтишга мени қатнаштирмадигиз, ўртоқ Умурзоқов! Х. Гулом, Машъал.

**КАТНАШУВЧИ** 1 қатнашмоқ фл. ш. оти. Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб гапирди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**КАТНАШЧИ** Бирор иш-ҳаракатда қатнашган, иштирок этган ёки фаолият кўрсатган киши; иштирокчи, қатнашувчи. Кенгаши қатнашчилари. Декада қатнашчиси. Намойиш қатнашчилари. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари.

**КАТНОВ** 1 қатнамоқ фл. иш оти. Шундан бошлаб Ойсулувнинг ҳар кунни кун ботарда Кўзғишибулоқ томонга қатнови бошланди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Транспорти воситаларининг мунтазам бориб-келиб туриши, юриши. Самолётларнинг қатнов графиги. | Умуман транспорт ва йўловчилар ҳаракати, кўча ҳаракати. Автомобиллар қатнови. Қатнов йўли. — Шаҳарда қатнов тўхтади, дўконлар ёпилди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Боку осмони тинч. Қаспий деңизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАТНОВЧИ** 1 қатнамоқ фл. ш. оти. 2 Қатнаб ўқувчи, даволанувчи ва ш. к. Қатновчи беморларга медицина ёрдамини яхшилаш.

**КАТОР** [а] 1 Ёнма-ён ёки бирин-кетин жойлашган кишилар, нарсалар мажмуи ва улар жойлашган чизик. Икки қатор кўчат. Тўрт қатор маржон. Қатор уйлар. | Қатор ўтирмоқ. — Баъзан бир содда гапнинг ўзида бир хил бўлақлар қатор келиб, гапнинг уюшиқ бўлақларини ташкил қилади. «Ўзбек тили грамматикаси». Устки қатордаги сўйлоқ тишларидан иккитаси тепа лабини ёриб чиққанини.. кўран киши ўқиб юборарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Турна қатор қ. турна. | Ёнма-ён ёки кетма-кет жойлашган кишилар сафи. Қаторда қатта-қатта одимлар отиб



борайтган Элмурод шикоятланди. П. Турсун, Уқитувчи. Йилчи олдинги қатордаги эркак ва аёллар билан бирга ҳайқариб, яна маҳкама сари босиб борди. Ойбек, Кутлуғ қон. Ярадор рачесиз лабларини тишлади, қатордан чиққанлигидан афсусланиб. Ойбек, Куёш қораймас. || *Рота* бир қатор бўлиб сўқмоқдан.. кетмоқда эди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. | Театр, кино, зал ва ш. к.да ёнма-ён тизилган ўриндиқлар. Биринчи қаторда жой қолмади. Биринчи қатор ўрнидан турди.

2 Бирор ижтимоий группа, ташкилот ва ш. к.га мансуб кишилар мажмуи; саф. Илғорлар қатори кенгаймоқда. — *Солиҳ маҳдум хасис, тамағир, ҳар ҳолда...* уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Қаторга кирмоқ** (ёки кўшилмоқ) 1) сафга кирмоқ, қўшилмоқ. «Қаторга киролмаган» деҳқонларга бошқачароқ тadbир қўлланади. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) бирор группага мансуб кишилар қаторидан, сафидан ўрин олмақ. Унинг [Сидиқжоннинг] номи чиқмаганлигига ҳеч ким эътибор қилмаган бўлса ҳам, назарида, ҳамма унга «хафа бўлманг, ахир бир кун қаторга кириб қоласиз» .. дейётгандай бўлар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. **Қаторга олмақ** ўз сафига қўшмоқ, ёнига олмақ. **Одам қаторига қўшмоқ** 1) одам ҳисобламоқ. Элмурод оиласи ва ўзининг оғир ўтмишини қисқача тасвирлаб келиб, охирида шундай деган: «Хўжайинлар мени одам қаторига қўшмасдилар». П. Турсун, Уқитувчи; 2) одам қўлмақ, сонга киритмоқ. Уғлимни ўқитдим, одам қаторига қўчидим. .. билан бир қаторда 1) бир сафда; тенг, баравар. Биз хотин-қизлар ҳам эркаклар билан бир қаторда жамият учун фойдали иш қилишимиз керак. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари; 2) билан бирга. Шу билан бир қаторда.

3 Бир қанча, бир талай, анча кўп. **Қатор ташкилотлар.** Қатор масалалар ҳал қилинди. Яқиндагина шахримизда қатор кварталлар қад қўтарди. — Европада қатор демократик тузумдаги мамлакатлар пайдо бўлди. Ойбек, Нур қидириб.

4 мат. Маълум тартибда жойлашган катталиклар сираси. Бутун сонлар қатори. Фурье қаторлари. Қаторлар назарияси.

5 хим. Узаро маълум муносабатда боғланган химиявий бирикмалар группаси.

6 3-ш. эгаллик ва ў.п. к. аффикси билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. қаторида).

◆ **Қатордан қолмоқ** эл-юртдан, одамгарчиликдан чиқмоқ. **Қатордан қолгунча хатардан қол!** Мақол. — *Мана, кўп қатори колхозда ишлаб турибман. Колхоз ҳам қатордан қолдирмай қарашиб турибди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**КАТОРАСИГА** рви 1 Бирин-кетин,

бир варақайига, бирданига, бир вақтнинг ўзида, бир ҳаракат билан. *Уч самоварга қаторасига сув солиб кўмир ташлаб қўйди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Қамчи, охири марта қаторасига ўқ отилган жойини тахминан мўлжалга олган бўлса ҳам, тўққайга кирганда мўлжалдан адашди.* Х. Ғуллом, Машғал.

2 Бир қатор қилиб, ёнма-ён. *Ховлининг уч томони бир уй бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гипосезор боғча.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Деҳқонлар дарё бўйидаги қаторасига кетган катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Қапсанчилар қишлоғи деб аталар* эди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**КАТОРИ** 1 кўм. (б. к. билан) Сингари, каби; \*га ўхшаб, ўхшаш. *Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб ўзимни оқламоқчи эмасман. Шулар қатори мен ҳам гуноҳкорман.* А. Қахҳор, Қўшчинор. *Ғулломжон яна ҳаяжонланиб гапирди: — Қақраб ётган ерларга жон кирезайлик, қишлоғимизни обод қилайлик, камбағалларнинг қоринларини тўйдирайлик, бизам одам қатори яшайлик деймиз-да, бошқа нима даяр эдик? М. Исмойлий, Фарғона т. о. | ... билан баравар, тенг, бирдек. Эл қатори барвақт турмоқ. Ҳамма қатори ишламоқ. Одам қатори кўрмоқ. — [Орзикул:] Шунча йил сенинг завонингда ишлаб қорним ҳам тўймади, ондан ҳам ўлмдим, сен мени от қатори кўрар эдинг.* А. Қахҳор, Йиллар.

2 (ш. олми билан) Тенг, тенгдош, тенгкур. *Сен қатори болалар ишлайпти. || Эй .. жон болам! Мен қаторилар аллақандоқ ўлиб кетди.* Н. Мақсудий, Юксалиш.

**КАТОРИДА** кўм. вазифасида айн. қатори 1. Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболага билан эмас, яна тақрор айтаман, бир қариндошимиз қаторида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин! А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Менинг қаторимда кўнгилли равишда армияга ёзилиб партдрузиначи бўлган ўртоқларимдан кўплари ҳаёт.* М. Муҳамедов, Машқ.

**КАТОРЛАМОҚ** 1 Қатор қилмоқ, қатор қилиб тизмоқ, жойлаштирмоқ, термоқ. *Стулларни қаторлаб қўймоқ. Қаторлаб экмoқ. Қаторлаб экадиган сеялка. | Сафга турғизмоқ, сафламоқ. Отряд ағзоларини қаторламоқ.*

2 Қатор жойлашмоқ, тизилмоқ, қаторлашмоқ. *Қаторлаб учган турна Каби ўтди кунлар.* Ғайратий.

**КАТОРЛАНМОҚ** қаторламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Болалар бўйсир бўлиб қаторландилар. — *Қаторланиб якка миҳлар кўйилган, Шосуна устига сувлар сепилган.* «Равшан».

**КАТОРЛАШМОҚ** 1 Қатор бўлмоқ, қатор бўлиб тизилмоқ, терилмоқ, жойлашмоқ. *Симда қалдирғочлар қаторлашиб ўтирибди. Машиналар қаторлашиб ўтмоқда. — Фермада сут тўла би-*

донлар қаторлашиб турибди. А. Михраҳмедов, Қулган чечаклар. *Қаторлашиб ётган кексалар ва гўдакларнинг юзида неча кунлик азоб ва уқубат, ... гамнинг доғи кўриниб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўп бўлмоқ, кўплигидан тиқилиб, қалашиб ётмоқ. *Нуротанинг тарвузи қаторлашиб, зумраддай Ғиждувон узумлари, серсув туқли шафтоллари тахланли ётардилар.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

**КАТОРЛАШТИРМОҚ** қаторлашмоқ фл. орт. н. Саволларни қаторлаштириб ташламоқ. — *У болаларни орқа-орқа тўрт сирадан қаторлаштириб, ҳар хил машқлар қилдирди.* П. Турсун, Уқитувчи. [Қодиркул] *рўпарасида қалб сўзларини қаторлаштириб турган Ҳасан акага қиё боқмайди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

**КАТОРМА-КАТОР** рви 1 Қатор қилиб, қаторлаштириб. *Қаторма-қатор қилиб солинган бинолар.*

2 Қаторлар бўйлаб, қатордан қаторга ўтиб. *Қаторма-қатор бидетларни текширмоқ.*

**КАТОР-КАТОР** Бир неча қатордан иборат бўлган. *Қатор-қатор турналар. Қатор-қатор машиналар. Қатор-қатор стуллар.* — *Элмурод .. худди чўғдай ёниб турган қатор-қатор сўзларни ўқиди.* П. Турсун, Уқитувчи. || *Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина япроқ чиқарган эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КАТРА** [а] 1 Суяқликнинг зарралари тортишуви натижасида шарча шаклини олган алоҳида кичик бўлаги; томчи. *Бир қатра суя. Катра қолдирмай ичмоқ. Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, қатрадан кўпайиб дарё бўлур.* Мақол. — *У оху кўзлар анбар ҳидли қатралаб тўкди, Юзда қолиб биллури излар. — Чаманларга оломлар чўкди.* Шайхзода. *Хируре стакандан чой хўплар, унинг пешанасида майда тер қатрала-ри йилтирар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Бир қатра қон қолгунча** ўлгунча. *Шонли разведкачилар саф олдида туриб: — Совет Ватани учун танамизда қатра қонимиз қолгунча курашамиз, — дедилар.* А. Раҳмат, Тил овчиси.

2 кўчма Оз миқдор, озгина, жиндай бўлак, томчи. *Қатра ҳам уни йўқ экан, олдимга ярим стакан қатиқ қўйди.* О. Хусанов, Чўлда. *Эй дунёйи бевафол .. Қаҳрингдан ҳамманинг бағри қон, қўнгли паршон. Шу йилгидан бир қатра бахтни олдингми? Ойбек, Кутлуғ қон. Унда нуқул салобат билан қаҳрамонлик қайнайди-ю, назокатдан қатра йўқ.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**КАТРА-КАТРА** Бир неча қатрадан иборат бўлган. *Қатра-қатра тер.* — *Унинг [Асқар отанинг] кўзларидан оптоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди.* А. Қахҳор, Хотинлар.

**КАТРОН** 1 [а]: қатрон қилмоқ 1) об-



дан ювнб, қиздириб ёки куйдириб то-заламоқ. Қозонни қатрон қилмоқ; 2) кўчма обдан тозаламоқ, топ-тоза қилмоқ. Ҳамма ёқни қатрон қилмоқ.

**КАТРОН II** [а] Ёғоч, торф, тошкўмир ва ш. к.дан ҳавосиз қиздириб олинадиган қора қуюқ модда. Тошкўмир қатрони. || Қатрон совун.

**КАТРОНЛАМОҚ I** Қатрон қилмоқ, обдан ювнб, қиздириб ёки куйдириб тозаламоқ. Қозонни қатронламоқ.

2 Дезинфекция қилмоқ; стерилизация қилмоқ.

**КАТРОНЛАНМОҚ** қатронламоқ *фл. мажх. н.* Қатронланган қозон. Қатронланган шприц.

**КАТТИК I** *физ.* Одатдаги шаронгда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган. Қаттиқ жисм. Қаттиқ модда. Қаттиқ ва суюқ ёқилгилар.

2 Умуман шакл ўзгаришларига яхши қаршилиқ кўрсатадиган, синдириш, ушатиш, кесин қийин бўлган; маҳкам. Қаттиқ ёғоч. — Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, гўраша эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Шу тош қуртни талашасизлар. Мана, кўрдингларми, қаттиқ — тишларингни ушатади. Ойбек, Қутлуг қон. | Заранг, зич. Қаттиқ ер. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Мақол. Сув қаттиқ ерда туради. Мақол. | Сувни қочган, қоқ. Сен билан мен бўлсак қаттиқ нонни ҳам ея берамиз; жаззаси чоғга бўктириши-да! А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. | Баданга, қўлга юмшоқ уннамайдиган, салга эзилмайдиган, баданга ботадиган. Қаттиқ ўрин. Қаттиқ хамир. — У [Тўлаган ака] тикандай қаттиқ соқолини Сидқижоннинг юзига шикаб — «ошна бугун икковимизнинг тўйимиз эканда» — деб пи-чирлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Кўчма Кўп куч, ғайрат, меҳнат, билим ва ш.к. талаб қиладиган, қийин, оғир, машаққатли. Қаттиқ меҳнат. || Қаттиқ ишламоқ. Тирикчилик тошдан қаттиқ. Мақол. — Бу уйдаги хотинлар Усинни қаттиқ юмушларга сола бошладилар. Ойбек, Қутлуг қон. | Астойдиллик, диққат-эътибор қиладиган, астойдил. Қаттиқ ҳаракат. || Қаттиқ ҳаракат қилмоқ. Қаттиқ ўйламоқ. — Бу ёқнинг жуда ҳам чуқур олиб борилгани М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. | Оғирчилик, қаттиқчилик билан боғлиқ бўлган. Қаттиқ кунлар.

4 Қулоққа оғир ботадиган, баралла эшитиладиган; кучли, баланд. Қаттиқ овоз. Қаттиқ шовқин. Қаттиқ қичқириқ. || Қаттиқ ўйталмоқ. — Собиржон, муроди ҳосил бўлиб, қаттиқ олқишлар остида кўёв билан келинга бир ронжадан шалпанский тутди. А. Қаҳҳор, Тўй. Бу овозни ким эшитарди, қаттиқроқ чақирсанг-чи! Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

5 Суръати, шиддати, таъсири ва ш.к. жиҳатдан ортиқ даражада, зўр,

кучли, шиддатли. Қаттиқ шамол. Қаттиқ совуқ. Қаттиқ оғриқ. Қаттиқ уйқу. Қаттиқ зарб. || Қаттиқ урмоқ. Қаттиқ югурмоқ. — Шу вақтда Йўлчининг кўкрагига қаттиқ ва салмоқли мушт тушди. Ойбек, Қутлуг қон. Иътирин қаттиқ, орамиз узоқ эди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. — Тешани қаттиқ солма, — деди Содиқ. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Кечки пайт ёга бошлаган ёмғир ярим кечага борганда чақмоқ, момақалдиروқ аралаш қаттиқ куйди. С. Зуннунова, Гулхан. | Кескин, шиддатли. Қаттиқ кураш. Қаттиқ жанг.

6 Мустаҳкам, маҳкам, пишиқ. Қаттиқ туғун. || Арқонни қаттиқ боғламоқ. Гайкани қаттиқ бурмамоқ. Қайтиб келар эшигинг(ни) қаттиқ ёпма. Мақол.

7 Чекидан ортиқ, ҳаддан зиёда, кучли (ички ҳис-туйғу, кечинма ва ш. к. ҳақида). Қаттиқ севги. Қаттиқ ҳаяжон. || Қаттиқ хафа бўлмоқ. Қаттиқ азобланмоқ. Қаттиқ қўрқмоқ. — Ойқизнинг сўзлари Қодировга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Хадича ая қаттиқ хижолат чекди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 Юз-хотирлик, андиша ва ш. к. дан ҳоли бўлган; жиддий, шафқатсиз, аёвсиз. Қаттиқ танқид. Қаттиқ жазо. || Қаттиқ ўч олмоқ. — Сафаров активлардан кўпининг, шу жумладан Бўтабод аканинг ҳам камчиликларини қаттиқ танқид қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қаттиқ огоҳлантириш (ёки ҳайфсан) энг сўнгги огоҳлантириш (бундан кейин гуноҳ яна қайтарилса чора ёки жазо берилади). [Азиз:] Менга бу қаттиқ ҳайфсан ҳам оз. О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.

9 Бузиш ёки чекнишга йўл қўймайдиган; мустаҳкам, қатъий, бузилмас. Қаттиқ интизом. Қаттиқ режим. — Фуломжон .. мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. | Аҳмаджон, командирнинг бўйруғига қаттиқ риоя қилиб, жанг майдонини диққат билан кузатар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Тартиб-интизомни маҳкам ушлайдиган; қаттиқ-қўл, талабчан. Қаттиқ раҳбар. | Талабчанликка асосланган. Қаттиқ имтиҳон. || Имтиҳондан яқинлашиб қолди-а. Қаттиқ сўрашса керак. Ф. Музажонов, Хури.

10 Кўчма Матонатли, чидамли, бардошли. Жони қаттиқ одам. — Низомжон унинг [Икромжоннинг] ёғоч оёқ билан шолпоюни шалоплатиб, сувни лойқалатиб юришини кўриб иродасига қойил қоларди. Бу одам пўлатдан ҳам қаттиқ. С. Аҳмад, Уфқ. | Ўзгармайдиган, барқарор, маҳкам, қатъий. Қаттиқ эътиқод. Қаттиқ ишонч. Қаттиқ ирода. Иродаси қаттиқ одам. || Қаттиқ ишонмоқ. | Рад қилиб, қайтариб бўлмайдиган, қатъий. || Қаттиқ илтимос қилмоқ. — Касалнинг қаттиқ илтимоси ва талабига кўра,

кабинетдаги телефонни қаравот ёнига ўрнатдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

11 Кўчма Кишига оғир ботадиган, уни ранжитадиган, хафа қиладиган; оғир. Қаттиқ ҳақорат. Уят ўлимдан қаттиқ. Мақол. — Ўзбек олим ўғлининг бунчалик қатъий кетишини кутмаган эди ва бу ўйсин қаттиқ муомалани-да Отабекдан биринчи мартаба кўрар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Умарали Анорхондан ҳеч қачон бундай қаттиқ ва қўпол гап эшитмаган эди. И. Раҳим, Ихлос. || Хотин узоқ йиғлади, эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди. А. Қаҳҳор, Анор. Қаттиқ тегмоқ (ёки ботмоқ) қаттиқ хафа қилмоқ, ранжитмоқ. Раиснинг «қатталарча иш қилолмайсан!» деган гали Ойимбибига қаттиқ тегди. Н. Сафаров, Дон. Бу гап Тўхта холага қаттиқ ботди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кўнглига (ёки ўзига) қаттиқ олмоқ қаттиқ хафа бўлмоқ, ранжи-моқ. — Қанақа хато экан? — кўнглига қаттиқ оладек секретара қаради раис. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

12 Ҳаёт учун хавфли, оғир, жиддий. Қаттиқ касаллик. Қаттиқ шикаст. || Қаттиқ шикаст емоқ. — Эшитдингизми, .. афандимнинг тоби қочиб қопти. Боёқши қаттиқ этган эмиш. С. Аҳмад, Ҳукм. Ачанг келмади-ми? Офтоб олим жавоб берди.: — Қаттиқ оғриб қолибдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

13 Кўчма салб. Сарф-харажат, чиқим, ва ш. к.ни ёқтирмайдиган; зикна, нокас. Қаттиқ одам.

◆ Кўзи қаттиқ қ. кўз. Кўнгли (ёки бағри, юраги) қаттиқ қ. кўнгли I. Териси (ёки бети, юзи) қаттиқ қ. бет. Қаттиқ турмоқ I) жойидан қимирламасдан, чекинмасдан, кетмасдан турмоқ. — Чой ичкизмай юбормайман. — Эъзозхон эрининг йўлини тўсиб, қаттиқ туриб олди. Ҳ. Фулом, Машъал; 2) ўз фикрдан, сўздан, азм-қароридан қайтмай туриб олмоқ, қатъият кўрсатмоқ. Мен ўннинг синфни тамоламагунимча эра тегмайман, деб қаттиқ туриб олдим. Б. Раҳмонов, Сурмаҳон. Қаттиқ тутмоқ I) с. т. қатъий риоя қилмоқ, тўла амал қилмоқ. У урф-одатларни қаттиқ тутди; 2) ўз эзмда сақламоқ, ўз фикрини ўтказмоқ, айтганини қилдирмоқ. Шарият хотинни қаттиқ туттиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсанеиз, шунча ғафлатда қолишингизни пойлайди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Қаттиқ қарамоқ тикилиб, ўқрайиб қарамоқ.

**КАТТИҚЛАМОҚ** с. т. I Қаттиқ қилмоқ, қотирмоқ.

2 Маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ, маҳкам қилиб боғламоқ ёки тортмоқ.

**КАТТИҚЛАНМОҚ** қаттиқламоқ *фл. ўзл. ва машх. н.*

**КАТТИҚЛАШМОҚ I** Қаттиқ бўлмоқ, қотмоқ. Бола ўсган сари сўяк-лари анча қаттиқлашади. — Кафтада

сиқила-сиқила қаттиқлашган тухумдий қор «ёвга» тегмай, адашиб, Йўлчининг бошини ялаб, дўпписини қийшайтириб ўтади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ. Шамол қаттиқлашди. — Назирбой, уруш қаттиқлашди-ку. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 с. т. Оғирлашмоқ, қийинлашмоқ. Иш қаттиқлашиб кетди. Тирикчилик қаттиқлашди.

4 Каттиқ, зикна бўлиб бармоқ.

**КАТТИҚЛИК** 1 қаттиқ с. белеги оти. Тошнинг қаттиқлиги. Ишнинг қаттиқлиги. Ироданинг қаттиқлиги. Овознинг қаттиқлиги. Интизомнинг қаттиқлиги. — Минералнинг қаттиқлиги деб, уни бирор нарса билан тирнаганда кўрсатган қаришчилигига айтилади. М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. Эртага қиёмат деса ишонини мумкин эди-ю, лекин ўлеудай қаттиқлиги, хасислиги билан донг чиқарган Болта кўпасининг ўғлидан бундай сахийлик келишига ишонини мумкин эмасди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

2 Ирода, матонат. Қийинчиликларни енгиш учун қаттиқлик ва чидам зарур.

3 Қийинчилик, оғирлик. — Мен ўзимни камбағал деёлмайман, — деди бой, — лекин замонанинг қаттиқлиги мени ҳам камбағалларга яқинлаштирган. Айний, Қуллар.

4 Қаттиққўллик, талабчанлик. Қаттиқлик билан қўлда тутмоқ.

**КАТТИҚЧИЛИК** Азоб-укубатлар билан тўлган оғир ахвол, машаққатли давр; оғирчилик, қийинчилик. Қаттиқчиликка чидamoқ. — Сен ўзимзининг болалардан. Етим ўсиб, қаттиқчиликни кўргансан. П. Турсун, Уқитувчи. Беш-ўн кун қаттиқчиликни устимизга олиб, шу оз улов билан кўйламини ениб олсак, кўп одамларнинг кўзи очилиб кетади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КАТТИҚ-ҚУРУМ** айн. қаттиқ-қуруқ.

**КАТТИҚ-ҚУРУҚ** 1 Қуриб, қотиб қолган, қотган-қутган. [Гулжон:] Қирчирларингизни ювиб бераман, қаттиқ-қуруқ нонларингиз бўла беринг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 кўчма Кишига қаттиқ тегадиган; оғир, қаттиқ. Қаттиқ-қуруқ гап. || Қаттиқ-қуруқ гап айтмоқ. — Мадумар Ғуломжоннинг далилларини кут билан эшитди, қаттиқ-қуруқ гапирмади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Ойша билан Раҳима ҳеч вақт бир-бирининг кўзига тик қарашмаган, қаттиқ-қуруқ гапирмаган. Ҳ. Нуъмон, Мехр.

**КАТТИҚ-ҚУТТУҚ** айн. қаттиқ-қуруқ. Энди менга нима керак? — ўлигим кафансиз қолмаса, дуоий-фотиҳага келганларнинг олдига битта-иккита қаттиқ-қуттуқ нон қўйсангиз бўлагани. А. Қаҳҳор, Сароб.

**КАТТИҚҚҮЛ** 1 Тартиб-интизомни яхши ушлайдиган; қаттиқ, талабчан.

Қаттиққўл раҳбар. — [Комилжоннинг] илми ва билими бор, қаттиққўл. И. Раҳим, Хаёғ булоқлари.

2 Шафқатсиз, бераҳм. Ҳожиди унга нисбатан жуда қаттиққўл, кўп сўкади. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 айн. қаттиқ 13.

**КАТТИҚҚҮЛЛИК** қаттиққўл с. белеги оти. Қаттиққўллик билан иш тутмоқ. — Йўқ, .. мен биламан, баъзан қаттиққўллик қилади, лекин ҳақ гап бўлса тан олади. П. Қодиров, Уч илди. Қўчқоровнинг жиноятчига нисбатан олижаноблик қилишини қувватлаб бўлмайди, .. битта қонхўрнинг баҳридан ўтиши керак.. Баъзан қаттиққўллик ҳам керак, ўртоқлар! С. Анорбоев, Оқсой. Султонов, ўз мақсадига фақат қаттиққўллик кураши орқалигина эришини учун шайлана бошлади. И. Раҳим, Ҳиммат ва зарурат.

**КАТТОЛ** [а] 1 Одам ўлдирувчи, хунхўр, қотил.

2 кўчма Ашаддий, ёвуз. Қаттол душман. — Қалбимда ғазабинг ўти туптоқиб, Энг қаттол ёвларни қаттиқ қоралаб. Ғ. Ғулом.

3 кўчма Жуда ҳам қаттиқ, кескин, шиддатли. Қаттол совуқ. — [Ленинни] Айрилиқ, ёлғизлик, олис сургуллар Қаттол қаҳратонлар буколгани йўқ. Миртемир. Ғолиб ҳақ олинди қаттол жангларда. Ғ. Ғулом.

**КАТ(Ъ)** [а]: қат(ъ) этмоқ эск. кт. 1) босиб ўтмоқ. Бир масофани қатъ этиши учун аввало унинг ярмини, ярмини қатъ этиши учун унинг тўртдан бири, саккиздан бири ва ҳокказдан бирини қатъ этиши керак. А. Қаҳҳор, Сароб; 2) кўчма кескин узмоқ. Алоқани қатъ этмоқ.

**КАТЪАН** [а] эск. айн. қатъиян. **КАТЪИЙ** [а] 1 Узил-кесил белгилаб қўйилган, ўзгармайдиган; мустаҳкам, барқарор. Қатъий баҳолар. Қатъий план. Қатъий муддат. — У ерда Данильченконинг ўзи батальон командири билан бирга қатъий жадвал асосида машғулот ўтказди. Шухрат, Шинелли йиллар. ЎзССР граждандарининг миллати ва ирқидан қатъийназар .. ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир. «ЎзССР Конституцияси».

2 Қайта кўриш, ўзгартириш шарт, писанда, эътироз ва ш. к.га йўл қўймайдиган; узил-кесил. Қатъий жавоб. Қатъий фикр. Қатъий қарор. || [Ҳоким:] Хукм қатъий. Ғофир бир умр Сибирь қилинди! Ҳамза, Бой ила хизматчи. || — Сизлар топаён эрга тегмайман, ундан кўра ўлим яхши менга, — қатъий жавоб берди Гулнор. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қайтариб, рад қилиб бўлмайдиган; қаттиқ, жиддий. Қатъий талаб. Қатъий норозилик. || Маорифдан қатъий талаб қилмаиз. Сизларга аёл ўқитувчи беришин. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Хал қилувчи, кескин. Қатъий кураш. Қатъий жанг. — Салимбой-ваччадан қилча шубҳаланманг, — қатъий равишда деди Тантбойвачча. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳозиргина «Меники бедаво дард» деб тузалишдан қатъий равишда умид узганлисини тўла ишонч билан сўзлаган Тоҳиржон, бир неча минутдан сўнг, яна ўз касали ҳақида, табиблар, дорилар тўғрисида сўзламоққа бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Мустаҳкам, шак-шубҳасиз, қаттиқ. Қатъий ваъда. || Қатъий ишонтирмоқ. — Мен сени ғолиблар қўлида кўриб, Озод келажакка қатъий ишондим. Уйғун.

5 Астойдил, жиддий, қаттиқ. У. қатъий товуш билан интизом ҳақида гапирди. Ойбек, Қуёш қораймас. Чернецов столга хиёл энгашиб ўтирган эди, Юрвонинг қийналаётганини кўриб, ғозланди, унга тик боқиб, қатъий бир вазиятда гап бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. || Отабек ўзига қатъий тикилиб турган Ҳасаналидан юзини четга буришга мажбур бўлди. А. Қодрий, Утган кунлар. — Бўпти. Шундай қиламиз, — деди Шербек қатъий. С. Анорбоев, Оқсой.

**КАТЪИЙЛАШМОҚ** 1 Узил-кесил, қатъий тус олмақ, қатъий, аниқ бўлмоқ. Бўтабойнинг хаёллари борган сари қатъийлашди. С. Аҳмад, Ҳукм. Маҳмудов жим қолди, нималарнидир ўйлаб кетди, излаган нарсасини топгандай, фикри энди қатъийлашди, кўзлари чарақлаб ёнди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

2 Ўзгармас холга келмоқ, мустаҳкамланмоқ, барқарор бўлмоқ. Нархлар қатъийлашди.

**КАТЪИЙЛАШТИРМОҚ** қатъийлашмоқ фл. орт. н. Сўнги воқеалар унинг кетиши ҳақидаги фикрини янада қатъийлаштирди.

**КАТЪИЙЛИК** 1 қатъий 1—5 с. белеги оти. Фикрнинг қатъийлиги. Ишончининг қатъийлиги. Мақсаднинг қатъийлиги. — Болаларнинг кўзларида қариларча донолик ва ҳаракатларида офат кўранларнинг қатъийлиги очиқ кўринарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 айн. қатъият 1. — Ҳамма иш муҳим, — деди Адолат қатъийлик билан, — аммо сув муҳимроқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КАТЪИНАЗАР** кўчма. (ч. к. билан) Ўзидан олдин келган сўздан англашилган нарса, ҳаракатнинг бошқа нарса ёки ҳаракатга мене бўлмаслигини, унга боғлиқ эмаслигини ифодалайди; «га қарамасдан, «га боғланмаган ҳолда. ЎзССР граждандарининг миллати ва ирқидан қатъиназар.. ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир. «ЎзССР Конституцияси». Сен ихтиёр қилсанми, қилмайсанми, бундан қатъиназар, мен сени бахтиёр қилмасдан туролайман. А. Қаҳҳор, Сароб.

**КАТЪИЯН** [а] рвш 1 Қатъий равиш-

да, бутунлай. Катъиян рад қилмоқ. Катъиян ман қилмоқ. — Шу минутдан бошлаб [Элмурод] ўз қароридан катъиян кечмоқчи ва ҳаммасини бир йўла кўнелидан чиқариб ташламоқчи бўлди. П. Турсун, Уқитувчи. Группалар барча масалаларда раҳбар партия органларининг қарорларига катъиян ва оғишмай амал қилишлари лозим. «КПСС. Устави».

2. Сира ҳам, ҳеч, мутлақо. Уларнинг ҳаракатларидан, юзларидан бениҳоят чарнаганликлари сезилиб турса ҳам, лекин додирани, ҳолиқини, паршонлик катъиян кўринмасди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**КАТЪИЯТ** [а] кт. 1. Ўз фикрида, сўзида, аزمи-қарорида жасорат билан қаттиқ туриш; қатъийлик. Катъият кўрсатмақ. — Тўлқинжон анқайиб қолди. У, Хуридан бундай катъиятни ва иродани сира кутмаган эди. Ф. Мусажонов, Хури. Унинг узларида жиддият ва катъият акс этиб турибди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2. Сарб-тоқат, матонат, ирода.

3. Барқарорлик, аниқлик. Фикрида катъият йўқ.

**КАТЪИЯТЛИ** 1. Ўз фикрида, сўзида, аزمи-қарорида катъият билан турадиган; азмкор. Катъиятли ходим.

2. Матонатли, иродали.

**КАТЪИЯТСИЗ** 1. Ўз фикрида, сўзида, азм-қарорида катъият билан туролмайдиган, беқарор.

2. Ноаниқ, бетайин. Бу тўғрида катъиятсиз, мужмал жавоблар беришдан... тўйинган Раъно Анавардан кўз олмай турар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**КАТЪИЯТСИЗЛИК** катъиятсиз с. белиги оти.

**КАТҚАЛОҚ** 1. Нам тупроқ бетида ҳосил бўладиган қаттиқ қатлам. Уруғ экилагандан сўнг устига кучли ёмғир ёгса, тупроқ бети қотиб қолади, биз шунга қатқалоқ деймиз. А. Қодирий, Обид кетмон. || Бугун зверо аъзолари далага чиқиб қатқалоқ ерларни юмшатиб, гўза ниҳолларининг тагини бўшатши билан банд. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2. Ер, қор ва ш. к.нинг музлаб, қотиб қолган устки қатлами. Кўча музлаб, қатқалоқ ва тойғоқ ҳосил бўлибди. Й. Раҳим, Ихлос. Бектемир қатқалоқларга қоқиниб-суқиниб, итбага келди. Ойбек, Қуёш қораймас. Катқалоқ совуқ ҳамма нарсани музлатиб, қотириб қўядиган қаттиқ совуқ. Одамлар «чийиллаган, чилла» деб таърифлаган кунларда шундай қатқалоқ совуқ роса бир ҳафта давом этди. П. Турсун, Уқитувчи.

**КАТҚАЛОҚЛАНМОҚ** 1. Катқалоққа айланмоқ; қатқалоқ билан қопланмоқ.

2. Яхлаб қоғмоқ. Эрув вақтида ярим белидан лой кечига тўғри келадиган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КАТ-КАТ** 1. Бир неча қават ёки қат-

ламдан иборат бўлган; кават-қават, қатлам-қатлам. Кат-кат кўрпалар. — Кат-кат булутни беҳол ёриб чиққан кўёи ўз аксини сувга туширган эди. Й. Шамшаров, Ойдин қўллар. Токчалар қадимча — ганчдан ишланган қат-кат каткакчалардан иборат. Ойбек, Қутлуғ қон. || Культиватор тупроқни ағдариб, гўзалар тағига қат-кат тўшаб кетяпти. С. Қодиров, Қанотлар.

2. Қаватлари букланиб очиладиган ёки шундай йўсинда тахланган. Оғида ипорли яҳши хром этик, унинг кўнжени манглай ажинидай қат-кат қилиб, бири устига бирини қалаштирган. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3. Кўчма Қаторлашиб тахланиб ётган; жуда кўп, қачини. Сен ўқийсан, мен ишда, Дилда умидлар қат-кат, Зулфия. Дўстим билан қунаб килишиб, Бу қайтамиз, севинчлар қат-кат. Х. Салох.

4. Кўчма Такрор-такрор, қайта-қайта. Мени бутун дунё тингласин. Че-вар қиз деб мақтасин қат-кат. Уйғун. Умр тилаб мард ўғли учун, Она қат-кат қарар юлдузга. Х. Ғулوم.

**КАТҚОРИН** анат. Қавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонининг қат-кат қисми.

**КАФАС** [а] Куш ёки ҳайвонларни сақлаш учун, одатда, симдан тўқиладиган яшиқ ёки хонача. Темир қафас. Қафасда майна боқмоқ. — Қўзичоқларнинг бири тинч жойда, иккинчиси қафасдаги бўри олдида боқилган. «Эртақлар».

◆ **Кўкрак қафаси** анат. гавданинг қовурғалар билан ўралган, юрак жойлашган қисми.

**ҚАЧОН** сўр. олми 1 Қай(си) вақтда? Қачон келасиз? Маъжис қачон бошланади? — Қачон керак бўлсам айт, югуриб келаман. А. Қаххор, Қўшчинор. Хар қачон ёки қачон бўлса ҳамма вақт, доимо. Қачон бўлмасин қачондир. Қачондан бери (ёки буён). 1) қайси вақтдан бошлаб, қанча вақт давомида; 2) с. т. анча вақтдан бери. Сизни қачондан бери кутиб ўтирибмиз.

2 биркт. боғл. вазифасида Қачонки. Қачон унинг паранжисини кўрса, қачон овозини тўсатдан эшитса, йигит қалтирайди, ранги оқаради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЧОНГАЧА** сўр. олми 1 Қайси вақтгача? Аризалар қачонгача қабул қилинади?

2 Риторик нутқда бирор воқеа ёки ходисадан норозиликни, шикоятни ифодалайди ва «тоқай», «тоқайгача» маъносини ифодалайди. — Бу нимаси? — деб шивирлади ўзига Ғулум, — қачонгача чидайман? П. Турсун, Уқитувчи. Ҳамма ёқ қоронғи, ҳамма ёқдан заҳар ёғилади. Қачонгача заҳар ичаман?! Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАЧОНГИ** 1 сўр. олми Қайси вақтга тааллуқли? қайси вақтда бўлган? Бу қачонги воқеа?

2 сфт Узоқ ўтмишга оид, анча

вақт илгари, қачонлардир юз берган; эски. Хў, бу қачонги одам. Қачонги ишларни сўриштириб юрибди.

**ҚАЧОНДИР** 1 Тарихи аниқ бўлмаган узоқ ўтмишда, Утган замонда. Бу ерлар қачондир тўқайзор бўлган. — У [Абдулла] асли хўжандлик тожиб бўлиб, Қамишқалага қачондир кўчиб келган, сартарошлиги учун ҳамма уни «уста» дер эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Келажақ кунларнинг бирида, қачон бўлмасин бир кун, бир кун эмас бир кун. Унинг [Тўлаганин] бу гаплари керакли, ҳозир бўлмаса қачондир айтилиши керак гаплар бўлгани учун Бўтабой ҳам қўйиб берди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ҚАЧОНКИ** биркт. боғл. Бирор воқеа, ҳодисанинг содир бўлиш пайтини ёки шартини ифодалайди. Биз ҳали механизацияни тўла амалга ошириш деб ўйлабмиз. Бу гапни шундай айтмасиз, қачонки колхоз бўйича бир центнер пахта ҳеч бўлмаса уч-тўрт меҳнат кунига туша. А. Қаххор, Қартина.

**ҚАЧОНЛАР** рви Бундан анча вақт аввал; аллақачон. Халқлар ичида кўпдан овоза — донғи кетган, Дунёнинг ҳаммасига қачонлар бориб етган. Қ. Муҳаммадий.

**ҚАШИМОҚ** Қичиқни енгиллаштириш ёки босиш учун бирор нарсга ишқаламоқ ёки тирноқ, тароқ ва ш. к. билан тирнамоқ, қичимоқ. У [Қудрат] кўзини қисиб, рўчканинг думи билан пешанасини қашиб, узоқ ўйлади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Қийин.. Оғайни, қийин. — деди иягини қашиб ойнаш солдат. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Улар [чумчуқлар] бир-бирларини қувишиб ўйнашар, .. патларини, қанот тааларини қашиб-қашиб кўяр эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Бош қашинга** (ёки қашингани) вақт йўқ жуда банд, озгина ҳам бўш вақт йўқ. Мартенчиларнинг бош қашингани вақтлари йўқ; улар кўпдан кутилган машиналарни монтаж қилишлари; уларни тездан ишга солишлари керак Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Елкани қашимоқ эск. с. т. (қамчи билан) саваламоқ, урмоқ. Дангасалик қилсанг, елканени қашиб қўяман. Ойбек, Навоий.

**ҚАШИНМОҚ** қашимоқ фл. ўзл. н. **ҚАШИТМОҚ** қашимоқ фл. орт. н. Булар етмагандек, баджалликда ўғлига устоз бўлган қайнана кечалари орқасини қашитган, уқалатган пайтлари ҳам бўлади. Ғ. Расул, Адолат.

**ҚАШЛАМОҚ** 1 айн. қашимоқ. Ҳамроқул бекка қараб ва қўлини тўни ичига олиб, қорнини қиртиллатиб қашлай бошлади. Жўрабоев, Мулла Б. м.

2 Қашлағич билан тозаламоқ. Бек отнинг ёлини силади.. Ерда ётган қашлағични олиб, яғринини, сонларини қашлади. Х. Ғулум, Машъал.

3 кўчма, кам қўлл. Алдаб-суддаб, силаб-сйлаб бирор ишга кўндирмоқ. [Мастура:] Ахир сиз қизиқсиз! Беш

кун сабр қилинг, кўёв-пўёвга чиқсин, бир ой-ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-аста қашлаб ишга солайлик-да. Хамза, Паранжи сирлари. Мен сенга ёмонликни кўзласанг, орқангни қашлаб гапирар эдим. И. Рахим, Ихлос.

4 кўчма Шилб, юлиб-юлқиб олмақ. Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди, ёмон билан ўртоқ бўлсанг, бор-йўғингни қашлайди. Мақол. **ҚАШЛАНМОҚ** 1 қашламоқ 1 фл. ўзл. н.

2 қашламоқ фл. мажҳ. н. Отнинг яғрини икки марта қашланди.

**ҚАШЛАТМОҚ** қашламоқ фл. орт. н. **ҚАШЛАҒИЧ** Отни қашлаб тозалаш учун ишлатиладиган қатор тишли темир асбоб.

**ҚАШОВ** диал. Қашлағич. **ҚАШШАНГ** 1 Уятти йўқ, сурбет, суллох. Қашшаг одам.

2 Бўй бермайдиган, асов. Қашшаг от.

**ҚАШШОҚ** Утакетган камбағал, фақир, фақирона. Қашшоқ одам. — Алексей Иванович Михайлов москалик бўлиб, 1898 йилда қашшоқ ишчи оиласида туғилди. П. Турсун, Уқитувчи. **Йўлаб-йўлаб**, Ватан йўлида шаҳид бўлишга, қашшоқ кулбамада ўзимга-ўзим ўт кўйишга қарор бердим. Х. Ғулум, Машғал. || Қашшоқлар топганига солар ўзгалар чангал. Ғайратий. || Рўзиматнинг отаси жуда қашшоқ яшар, мешкобчилик билан кун кўриб, оиласини боқолмас эди. Туйғун, Шoir ҳақида ҳақиқатлар.

**ҚАШШОҚЛАНМОҚ** Утакетган даражада камбағаллашмоқ, фақирлашмоқ. **ҚАШШОҚЛАШМОҚ** айн. қашшоқланмоқ.

**ҚАШШОҚЛИК** қашшоқ с. белги оти. Қашшоқликда яшамок. Қашшоқликка тушмоқ. — Мени ўз отам қашшоқликдан бир бойга топширди. Мен чеккан азобни ҳеч сўраманлар! П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАШҚА** 1 От ёки мол пешанасидаги оқ жой, оқ нишона. Отнинг қашқаси. — Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор, Усти қора, бағри оптоқ қор. Ғ. Ғулум. **Кўрсангиз ҳам танимасиз, Пешанасида қашқаси йўқ.** Шухрат, Шинелли йиллар. | Шундай нишонаси бўлган от, мол. **Қашқа от.** **Қашқа эчки.** — Уртароқда анчадан бери бир-бирига ўқрайанча елкалашиб келаётган қашқа буқача билан тарғил буқача тўсатдан сузишиб қолиб, поданинг тўс-тўполонини чиқарди. С. Анорбоев, Оқсой. **Йигит ёшимгача қишлоқда эдим, Кўёнларим қашқа, тойчоғим тўриқ.** Миртемир.

2 кўчма Бетнинг кўринадиган ерида урилишдан қолган нишонаси, мас. яра, чақа. **Пешанани уриб қашқа қилдим.** — [Мавлон] ҳозир афти-башарасини қашқа қилиб муштлашишдан, бировларнинг тағбини хира қилишдан бошқа иш қилмайди. Ш. Шухратов, Бездорлар.

◆ Отнинг қашқасидай маълум (ёки

таниқли) салб. ҳамма биладиган, танийдиган.

**ҚАШҚАЛДОҚ** Сувмашаклар туркумининг қамишзор кўлларда яшайдиган, бошида қашқаси бор бир тури; ўрдадан кичикроқ ёввойи ов қўши.

**ҚАШҚАЛИ** Пешанасида қашқаси бўлган, қашқаси бор. **Майна яна бир қарра извош ва отларни кўздан кечирди.. Отнинг бири қизил, четдагиси оқ қашқали тўриқ.** Ш. Тошматов, Эрк қўши.

**ҚАШҚАРБЕДА** Дуккакдилар оиласига мансуб, оқ ёки сариқ гулли, сарасал хушбўй доривор ўсимлик.

**ҚАШҚАРГУЛ** айн. кўқонгул.

**ҚАШҚАРИ** 1 с. т. қ. қашқарлик. 2 Қашқари бўладиган; Қашқарида ясалган. **Ҳаётхон ўрнидан турди, онам умид билан унга тиктириб қўйган.. қашқари кундуз телпакни кийгизди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚАШҚАРЛИК** Қашқар аҳолисига мансуб киши; уйғур. Юқори қишлоқнинг раиси билан райондаги қашқарликнинг сомсаҳонасига кирган эдим. **Сомса еб ўтириб ҳасратга тушиб кетди.** П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАШҚАРЧА** 1 сфм Қашқарга ва қашқариларга оид; уйғурча. **Қашқарча йўли.** Қашқарча оёқатлар. **Қашқарча айвон.**

2 от Олди ромлар билан ўралган айвон. У «тиқ» этган овоз келса, кўзларини беҳтиёр кўча эшикка тикиб, қашқарчада ўтирибди. А. Ёқубов ва Ш. Шодиев, Топилган қиз.

3 от, эск. Уйғур тили. **Қашқарча(ни) биласизми?** || Қашқарча сўзлашмоқ.

4 от Қуй номи. Одамларнинг кўзлари гулхан ёруғида ўртада «қашқарча» муқом қилувчи беқасам тўн устидан белбоғ боғлаган қора қош йигитда. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚАШҚИР** айн. бўри 1. **Қашқир ўзининг уяси олдидаги қўйларга тегмай, узокдаги бошқа қўйларга боради.** О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи Бахши. **Мен кетган сўнг ўзинг ёлғиз қолмагин, Қашқир-қабанларга емиш бўлмагин.** «Ширин билан Шакар». — **Маккор тулки икки-учта қашқирни бошлаб келса-я.** **Қўрқмаснинг ўзи уларнинг қайси бирига бас келади,— деб ўйлади Умаркул.** О. Хусанов, Ҳаёт ишқини.

**ҚАЪДА** [а] этн. Мархумнинг таъзиясини у вафот этган уйдан бирор яқин қариндошлариникига ўтказиш маросими. **Қаъда қилмоқ.** **Қаъда қаримас қилиниши лозим, аммо шошилишч бўлмаган иш ҳақида.**

**ҚАЪР** [а] Бирор нарсанинг сиртидан анча чуқур ери, ости, ичи. **Ернинг қаъри.** **Дарёнинг қаъри.** — **Бир ярим соат ичида денгиз даҳшатли юкни бутунлай қаърига ютиб юборди.** А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Жаҳаннам қаърига кетибди зolim!** Х. Ғулум, Машғал.

**ҚАҚАЖОН** диал. Қақилдоқ. **Қандолатхон Барнони яхши билар эди:**

ёлғиз ўсган қақажон қиз. И. Рахим, Барно.

**ҚАҚАЛАМОҚ** қ. қақа(қ)ламоқ. **ҚАҚАЛАТМОҚ** қ. қақа(қ)латмоқ. **ҚАҚАЛАШМОҚ** қ. қақа(қ)лашмоқ. **ҚАҚАНОҚ** Қўйнинг оғиз сүтидан пиширилган овқат. [Жонгул] .. **йигитга ҳар гал яйловдан қайтганида албатта ёғоч косада қатиқ, қўй сүтидан ясалган қақаноқ ёки ивтиланган қурт олиб чиқар эди.** О. Хусанов, Ҳаёт ишқини.

**ҚАҚАС** диал. Кишилардан ёки кишилар яшайдиган жойдан узоқ, чекка ер; овлоқ. **Қақас жойда учрашмоқ.** — **Лўлдилар дoлхоэга аъзо бўлиб киршига қарор берганларида, биринчи шарт қилиб, қишлоқдан қақасроқ ерни талаб қилган эдилар.** Н. Сафаров, Лўлдилар.

**ҚАҚА(Қ)ЛАМОҚ** «Қақ-қақ» овоз чиқармоқ; қақилламоқ (товуқлар ҳақида). **Чипор тосеқ ҳам зўр ташвиш билан қаққақлаб, таралиб юрган жўжаларини қаноти остига қаққарди.** А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ҚАҚА(Қ)ЛАТМОҚ** қақа(қ)ламоқ фл. орт. н. **Товуқларни қақалатиб ҳайдамоқ.**

**ҚАҚА(Қ)ЛАШМОҚ** қақа(қ)ламоқ фл. бирг. н.

**ҚАҚИЛДОҚ** Ўзини билагон санаб ҳа деб гапириверадиган; гапдон, маҳмадона (кўпинча қизлар ҳақида). — **О, мунча қақилдоқ экан бу қиз,— олифта хоним юзини тескари бурди,— ташвиқот қиялпти бизни.** Ойбек, Нур қидириб. || **Бошқа бирор кўзлагани бордир қақилдоқнинг.** Н. Аминов, Муассар.

**ҚАҚИЛЛАМОҚ** 1 айн. қақа(қ)ламоқ. **Қақиллаб кулмоқ** хаҳолаб, қаққақа уриб хушчақчақ кулмоқ. **Қосимов Рамазон аканинг замзамасига тушишиб, қақиллаб куади.** Х. Нуъмон, Фаслар.

2 кўчма Ўзини билагон санаб ҳа деб гапиравермоқ, маҳмадоналик қилмоқ. [Сурмахон:] **Даб бўлганинг рост бўлсин. Бемаҳал қақиллаб ишдан ҳам қолдирди.** Б. Раҳмонов, Сурмахон.

**ҚАҚИЛЛАШМОҚ** қақилламоқ фл. бирг. н.

**ҚАҚИР** Сувсиз, қақраб ётган қоқ ер, қақроқ жой. **Қип-қизил қақирда қизларнинг ўзи қолди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Сентябрнинг ўрталарида қақирдаги пахтага навбат тегди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. || **Ташна-лаб ётган қақир чўлларни ҳосилдор этиб, Боғу, бўстону экинзор этгани имкони сув.** Ҳабибий.

**ҚАҚИРЛАМОҚ** айн. қақилламоқ. **Қақирлаб кулмоқ.** **Қақирлаб сайрамоқ.** — **Қори Маҳмуд қақирлаб кулгандан кейин, жиддий бир вазият олиб,— менимча,— деди,— ҳар бир киши ва ҳар бир нарсга учун бир ном керак.** Айний, Эсдалиқлар.

**ҚАҚИРЛАШМОҚ** қақирламоқ фл. бирг. н. **Нормуроднинг бу фахрлиниши-**

га қақирлашиб кула бошлаган комиссия аъзоларини «Сафаркул ака, культиватор йўқ, йўқолипти»,— деб келган Хасаннинг сўзи ҳайратда қолдириди. Айний, Қуллар.

**КАҚИР-КУҚУР** Ҳар хил майда-чўйда нарсалар; ашқол-дашқол, лаш-луш. Бу машина, араваларга тирбанд қилиб .аллақандай қақир-куқурлар ортилган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ерматнинг қақир-куқури оз бўлгани учун, араванинг олдинги қисмида Гулнор ва онаси бемалол жойлашган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАҚОЛАМОҚ** айн. қақа(қ)ламоқ. Тухум қўймаган товуқ кўп қақолайди. Мақол.

**КАҚОЛАТМОҚ** қақоламоқ фл. орт. н.— Ҳа, жиғилдонинг тешилгурлар. Ҳамма ёқни булғатганинг-булғатган, тагин балиқчаларга кўз олайтирдингми! — деб [товуқларни] қақолатиб қувиб юборди [Раъно]. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КАҚОЛАШМОҚ** қақоламоқ фл. бирг. н. Дон териб, ариқ бўйларида чувалчанг чўқилаб юрган товуқлар қақолашиб деворлар тагига, йўлакларга ўзларини уришди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КАҚРАМОҚ** Нами қочиб ёки сувсизликдан, ташналикдан қуриб қолмоқ; қуруқшамоқ. Қақраган чўл. Тоғим қақраб кетяпти. Беморнинг лаблари қақради. — Қимсасиз чўл. Куйининг жазирани иссиқдан ҳамма ёқ қақраб кетган. А. Ҳайдаров, Атом махсулоти геологияда.

**КАҚРАТМОҚ** қақрамоқ фл. орт. н. Офтоб тиккага келган, йўл чанги, ёнги, қуюқ дуд иси томоқларимизни қақратган эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда

**КАҚРОҚ** Қақраган, қақир. Қақроқ чўлар. Қақроқ лаблар. — Сув—анқога шафе. Ҳамма ёқ қум, қизиб ёниб ётган қақроқ қум. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бобоқул ота томоғининг қақроғини босиш учун ҳовуздан оқиб чиқаётган ариқдаги зилол сувдан ҳовучини тўлдириб ичиб олди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КАҚШАМОҚ** 1 Зирқираб қаттиқ оғримоқ; сирқирамоқ. Аъзойи баданим қақшайпти. — Қори ўзини у ёққа-бу ёққа отиб, бошини столга урмоқчи бўлди ва ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган бир дардан бутун вужуди қақшаб, тин оломлаётгандай хириллади. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Зир-зир титрамоқ, ларзага келмоқ.

3 Қуриб, қақраб қолмоқ, қуриб қоқ бўлмоқ. Бочка қуриб, қақшаб кетибди.

4 кўчма Қуриб, ҳеч нарса сиз қолиб ҳалок бўлмоқ. Сув бўлса, боғлар гуллайди, сув бўлмаса, дунё қуриб қақшайди. Ш. Сулаймон, Ота ўғли.

5 кўчма Ачиниб, ёлвориб ёки хафа бўлиб кўп гапирмоқ. Қақшаб гапирмоқ. Кўп қақшадим, сўзимга кирмади.

6 Ёйглаб-сиқтамоқ, зор-зор ёйгламоқ. Қон қора қақшамоқ. — Қарима она қақшаб ёйглаётган ўғлини ётоғига олиб кириб ётқизди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Жуда хунук иш бўлди-да. [Қизнинг] онаси зор қақшаб қидириб юргандир. С. Аҳмад, Лочин.

**КАҚШАТМОҚ** қақшамоқ фл. орт. н. Осмонни қоплаб олган чодирдек булут кулоқ-бурунни кўкартириб, суякни қақшатувчи ачиққ изғирин қор бошлаб келди. П. Турсун, Уқитувчи. Бегуноҳ онани қон қақшатиб зрини тортиб олаётган эканман-ку. А. Мухиддин, Кувё қочди.

**КАҚШАТҚИЧ** Қақшатувчи, ларзага келтирувчи, яксон қилувчи, йўқ қилиб юборадиган. Қақшатқич зарба. Қақшатқич танқид. — Нусратилла рўпарасида чўндай қорайиб ўтирган душманнинг ҳақоратлариға қарши қақшатқич бир гап тополмай, ҳамон ёнади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КАҚҚА** с. т. Қаерга, қаёққа. **КАҚҚАЙИШМОҚ** қаққаймоқ фл. бирг. н.

**КАҚҚАЙМОҚ** Тикка қотиб турмоқ, серраймоқ. Мочалов билан бирга унинг каби погонли, яроғ-аслаҳани икки тўра зинада қаққайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Баъзан қизғиш-қўнғир бир илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юронқоққа ташланади. М. Осим, Тўмарис. | Ишламай, бекор, серрайиб турмоқ. Қаққайган одам ишлашни ёмон кўрадиган ёки қўлдан иш келмайдиган одам.

**КАҚҚАЙТИРМОҚ** 1 қаққаймоқ фл. орт. н. Эски чопонлардан битта-яримтаси соддадиллик билан мабодо келиб қолса, тўйбошиларнинг кўзлари олаяди, қўл учи билан ишорат қиладилар, у бечорани оҳиста туртиб бир четга, девор тагига қаққайтирадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кам қўлл. айн. қўнқайтирмоқ. **КАҚ-КАҚ** тақл. с. Товуқларнинг ўзинга хос қичқирёқ овози ҳақида. Товуқлар қақ-қақ қилиб қочибди.

**КАҚ** тақл. с. Қарға, зағча, қузғун ва ш. к.нинг қағиллашидан чиқадиган товуш ҳақида. Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади. Мақол.

**КАҒАНОҚ** айн. қақанок.

**КАҒИЛЛАМОҚ** 1 «Қағ-қағ» овоз чиқармоқ; қағқағламоқ. Қиру сой, дарахтлар қорға ботибди, Қарғалар қағиллар бўлиб миннатдор. Шухрат.

2 кўчма салб. Ёмон нафас қилмоқ, ёмонлик, бахтсизлик, фалоқат ва ш. к.дан дарак берган куйи валдирамоқ. Чора кўрамиз, ўртоқ Сайрамов. Қолхоз қишлоғида қузғунларнинг қағиллашига йўл қўймаймиз. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАҒИЛЛАТМОҚ** қағилламоқ фл. орт. н.

**КАҒИЛЛАШМОҚ** қағилламоқ фл. бирг. н. Қарғалар, бир нимадан чўчиган каби, аянчли товуш билан қағиллашади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚАҒ-ҚАҒ** қағ с. тақр. **ҚАҒҚАҒЛАМОҚ** айн. қағилламоқ. Майдонни жимжитлик босган, бу жимжитликни.. қарғаларнинг қағқағлашлари бузмоқда эди. Айний, Қуллар. **ҚАҒ-ҚУҒ** айн. қағ-қағ. Чигит қадаётган «универсал» шовқинидан чўчиган зағизғон қағ-қуғ қилиб осмонга кўтарилди. С. Аҳмад, Қолхозда баҳор.

**ҚАҲАТ** [а] 1 Бирор нарса камчил, етишмайдиган, пулга ҳам топилмайдиган бўлиб қолган ҳолат. Бир қафт дон-дун экишга ҳам қурбим етмади.. Ер ориқ, гўнг ҳам қаҳат. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Уғрига мол қаҳатми? ўғри ёки умуман олғир одам қаердан бўлса ҳам топади, деган маънода ишлатиладиган мақол. Қаҳат келганими? топиш қийинми, йўқ бўлиб кетганими? Қаламга қаҳат келганими?

2 Қаҳатчилик, очарчилик. Қим бизга қайрилади, Очлик, қаҳат тўрт томон. Миртемир.

**ҚАҲАТЛИК** қаҳат 1 с. белги эти. **ҚАҲАТЧИЛИК** 1 Уруш ёки бирор табиий офат натijasида ёки экин-тикин битмай қолганлиги сабабли ҳамма нарса камчил ва қиммат бўлган пайт; очарчилик. Сув бўлмаган, .. боғдорлик ҳам бўлмади, икки йиллик қаҳатчилик, очлик халқни ҳар бир нарсасидан ажратди. Айний, Қуллар. Муттахам бойлар, савдогарлар қаҳатчилик, қийинчиликдан фойдаланиб, ҳамёнларини пулга, омборларини галлага тўлдирса-ю, минг-миглаб ишчилар, меҳнатқашлар оч-яланғоч ётса. П. Турсун, Уқитувчи.— Меҳнатқаш, жафоқаш халқ ҳозир арпа нонга зор. Очлик, қаҳатчилик бизга келган офат,— деди Зумрад бойга. Ойбек, Улуғ йўл.

2 айн. қаҳат 1. **ҚАҲВА** [а] эск. айн. кофе. Янчилган қаҳва. Қаҳва дарахти. Қаҳва ранг костюм. — Хизматчи қаҳва келтирди, Анвар Мурод дастурхонга меҳмонларни ундади. Ойбек, Нур қидириб.

**ҚАҲВАХОНА** [а+ф+т] эск. айн. кафе. Биноларнинг пастки қаваати хилма-хил дўконлар, ошхоналар, қаҳвахоналар ва турли муассасалар билан банд. Ҳ. Қодирий, Қоҳира лавҳалари. **ҚАҲВАЧИ** эск. 1 Қаҳва билан савдо қилувчи, қаҳва сотувчи.

2 Қаҳвахонанинг хўжайини, эгаси. **ҚАҲР** [а] 1 Каттиқ ачиққаниш ҳолати; ғазаб. Замиранинг қаҳрдан ёнаётган кўзлари, ачиққанганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманга янада чиройли кўринди шекилли, йигит ширин илжайди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Қўзғолончи халқнинг .. қаҳри ҳар лаҳзада кучайди, ҳайқирини кўкни тўтди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бундан бекнинг қаҳри келиб, эиҳрини Мурод Мирзога сочди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Жабр, зулм. Эй дунёйи бевафол! .. Қаҳрингдан ҳаммининг барри қон, кўнгли паришон. Шу йигитдан бир қаҳра



бахтни аядингми? Ойбек, Қутлуғ қон. **Қахр айламоқ** (ёки этмоқ) *поэт.* 1) жабр-зулм қилмоқ. *Қахр этиб хоннинг дилзор бўлгани етмасиди, Қоработир унга ағёр бўлгани етмасиди.* С. Абдулла; 2) жазоламоқ, жазосини бермоқ. *Узин баҳодир айлаган, Душманларни қахр айлаган, Шўро элин бор айлаган, Емонларни зор айлаган, Узи билимдон Октябрь.* Эргаш шоир.

3 Оғирчилик, қийинчилик, азоб-уқубат, кулфат. *Тинчликни сеувчи ота-оналар, Уз ўғил-қизларин босар бағрига! Евларнинг дўқидан улар чўчимас, Мардона зарб берад уруш қаҳрига.* И. Муслим. | **Шиддат**, куч. *Ачиқ аёз кўрсатар кучин, Утқирлашар совуқнинг қаҳри.* Д. Файзий. **Сув қахр** билан унинг биқинига урилиб шовиллар, бошидан ошиб ўтгандай бўлар, лекин тоғдай гавдасини қимирлата олмас эди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. **Тўпларнинг ўт бўрони аввалги, куч, ғазаб ва қахр билан самода ҳукмрон эди. Ойбек, Куёш қораймас. **Қахрига оймоқ** (ёки **минмоқ**) 1) ортиқ даражада ачиқланмоқ, ғазабланмоқ; ғазабни ошиб баттарроқ жазоламоқ. *Худо ўша қора кунни ҳам ортиқ кўриб қаҳрига олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) янада кучаймоқ, шиддатлироқ бўлмоқ. *Совуқ чунон қаҳрига минганки, икковимиз аравадан тушиб олан бўлак ҳам, тишимиз-тишимизга тегмай қалтираймиз.* О. Хусанов, Чўлда.**

◆ **Қахри қаттиқ одам** шафқатсиз, дийдаси қаттиқ, зolim одам.

**ҚАХРАМОН** [ф-т] 1 Шижоати, довораклиги, ботирлиги билан шухрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб ўзини кўрсатган киши. *Улимдан кўрққан киши қахрамон бўлмайди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Кўшиғимга илҳом берган қиз, Олам-олам ҳайдаб қўйди ер. Қим кўрса ҳам уни шубҳасиз Пахтазорнинг қахрамони дер.* Т. Тўла. **Совет Иттифоқи Қахрамони** СССРда алоҳида жангвар қахрамонлик учун бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган киши. | **Жасорат**, мардлик намуналарини кўрсатган шахс ёки коллектив. *Замонамизнинг қахрамонлари.* || **Қахрамон халқ.** — *Эй қахрамон она юртим, юрак тўри сеники!* Е. Мирза.

2 *ад.* Бадний асарининг бош иштирокчиси. *Роман қахрамони. Фильм қахрамонлари.* — *Ҳамма, биринчи навбатда, ҳикоямизнинг қахрамони Ёдгорни табриқлар эди.* Айний, Дохунда.

3 Умуман бирор воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг содир бўлишига сабаб бўлган ёки унда асосий роль ўйнаган шахс. *Юқорида Отабек, томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қахрамонлари билан ўқувчини таништирамиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Социалистик Меҳнат Қахрамони** СССРда алоҳида меҳнат жасорати учун бериладиган энг олий

унвон ва шу унвонга эга бўлган киши. **Қахрамон** она қ. она 1. **Қахрамон шаҳар** аҳолиси Улуғ Ватан урушида алоҳида жасорат кўрсатган шахар.

**ҚАХРАМОНЛАРЧА** *рвш* Қахрамонларга хос; мардонавор. *Ватанни қахрамонларча ҳимоя қилмоқ.* || **Қахрамонларча ҳаракат.**

**ҚАХРАМОНЛИК** 1 қахрамон 1 с. белги оти. *Жангчининг қахрамонлиги. Қахрамонлик кўрсатмоқ.* — *Иш «номардларча» милтиқ урушидан эски қахрамонлик дostonларидоғидек «мардларча» .. қилич билан чопиш, .. ханжар ва найза билан суқшига ўтди.* Айний, Қуллар.

2 Қахрамонларга хос иш, ҳаракат, мардлик, жасорат намуналари. *Газета хабарлари, каналдаги бўлган қахрамонликлар, мардликлар, Жумақул отанинг диққатини жалб қилди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**ҚАХРАМОНОНА** [ф-т] *рвш* Қахрамонларга хос равишда; қахрамонлик билан, қахрамонларча. *Қахрамонона жанг қилмоқ.* || **Қахрамонона кураш.**

**ҚАХРАТОН** *Жуда қаттиқ жуда ҳам шиддатли, ортиқ даражада совуқ. Қахратон қиш. Қахратон совуқ.* — *Қиш фаслида қахратон изғирин, бўрон, Қора булут, қора туман, тонги айқ тунлар. Ҳабибий.* У—қиз қахратон кўтбнинг чекис муз сахроларини кўрган жангвар чельоскинчилар дostonини ўқиган эди. Н. Мақсудий, Юксалиш. || *Жуда совуқ қахратон .. Бироқ, у [Охунбоев] совуқни писанд қилмайди, у халқ манфаати учун курашмоқда.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҚАХР-ЗАХР**, қахру захр **Қахр** ва захар, ғазаб. *Қахр-захрини сочмоқ.*

**ҚАХРЛАНМОҚ** *Ортиқ даражада ачиқланмоқ, ғазабланмоқ. Ҳоким пича қахрланиб турди, кейин қўлини силтаб ясовулни қайтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кемтик тишлари орасидан тилини ялтилатиб қахрланиб турган Кўтби отин алаести каби унинг кўз ўнсага келиб тўхтайди.* Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ емаган жувон, бахтиёр кампир. *Булутларки кўкартирар ерларни, Қахрланса чақмоқ — Яшин сочди.* Шайхзода.

**ҚАХРЛИ** 1 Қахру ғазабга тўлган, қахру ғазаб ифодаловчи; ғазабли. *Асқар полков саргайган, кир, лекин қахрли юзидан терини артди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Мадамнинг қахрли, аламли овози одамларни «хужум плани» билан таништирди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *кўчма* *Жуда ҳам қаттиқ, шиддатли, аёвсиз. Қахрли қиш. Қахрли совуқ.* — *Шу содда йигитнинг юрагини заҳарлаган қахрли мудҳиш ҳаётни қарғади.* Ойбек, Навоий.

**ҚАХР-ҒАЗАБ**, қахру ғазаб **Қахр** ва ғазаб, қаттиқ ғазаб.

**ҚАХ-ҚАХ:** қах-ках урмоқ (ёки отмоқ, солмоқ), қах-ках уриб (ёки отиб, солиб) кулмоқ *айн.* қахқаҳа урмоқ қ.

қахқаҳа. *Шунақа қах-ках солиб беғубор кулишардики, дарахларда тунган қушлар чўчиб қанот қоқди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Шудгорларда бригадалар Қатор-қатор, Ялангликда лаблари шўх Қах-ках отар.* Ф. Гулом.

**ҚАХҚАҲА** [а] 1 **Қаттиқ** хушчақчақ кулги. *Шербекнинг қахқаҳаси Сувонжонга тепасида бехосдан чақмоқ чаққандек бўлиб туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Қахқаҳа урмоқ** (ёки **отмоқ, солмоқ**), қахқаҳа уриб (ёки **отиб, солиб**) кулмоқ қаттиқ овоз чиқариб хушчақчақ кулмоқ; хахолаб кулмоқ. [*Низора*] *бирдан қахқаҳа уриб куларкан, булоққа қўлини тиқиб чалпитиб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хуш, хотин, хафа кўринасан. Болаларнинг бахтига ўйнаб-кулмиб, келинчақлардай қахқаҳа отиб юрмайсанми? Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.*

2 *кўчма* *Давомли қичқириб, қағиллаш ва шу сингари товушлар ҳақида.* *Бойқушининг шум қахқаҳаси.* — *Қаердадир, кум ичди, урғочи оқчорлоқнинг хунук қахқаҳаси иштилар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қани у Баҳром? Қадрдон дўстим, қўлга туширган тўпларимиз ғазаб қахқаҳасини янградиб, душман юрагига атака қилаётган вақтда .. Эҳ .. Вақтсиз, жуда бевақт.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ҚАХҚАҲ(А)ЛАМОҚ**, қахқаҳ(а)лаб кулмоқ *Хахолаб, қахқаҳа уриб кулмоқ, қахқаҳа урмоқ.* [*Холиқов*] *доғо баралла қахқаҳлайди, баъзан: «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дўндирдим», — деб осмондан келади.* А. Мухиддин, Тўғри савол.— *Ҳа, йигитлар ютқизиб қўймасалар яхши эди [деди кимдир]. Ҳамма қахқаҳлаб кулди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ҚАХҚАҲ(А)ЛАШМОҚ** 1 қахқаҳ(а)ламоқ *фл. бирг. н.* *Солдатлар қахқаҳлашиб юборишди.* Айниқса қора қошли, юзлари кўёида пишган йигит силласи қуриб куларди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 *Хушчақчақ суҳбат қуриб биргалликда вақт ўтказиб, чақчақлашмоқ.*

**ҚИБЛА** [а] 1 *дин.* *Намоз ўқиб ёки сифиниш пайтида мусулмонлар юз ўғириб турадиган томон, Макка шаҳри турган томон. Қиблага қараб фотиҳа ўқилмоқ.* — [*Отамин*] *кўп вақтлари тасбеҳ ўғирини .. кечалари қиблага қараб тиз букиб ўтириб «худога йиғлаш билан ўтар эди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш урнишлари.

2 *эск.* Ғарб, кун ботиш томон. *Қибладан эсан шамол.*

◆ **Тўрт томонинг қибла** қаёққа кетсанг кетабер; йхтиёринг ўзингда.— *Иккисидан бирини танланг, — деди Ойқиз қатъият билан, — ё кетмонё, тўрт томонингиз қибла, бошингиз қаёққа оғса, ўша томонга жўнанг.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҚИБЛАГОҲ** [а+ф-т] 1 *дин.* Қибла томон, қибла.

2 кўча, поэт. Ута ҳурматга лойиқ киши (мас., ота, она) ҳақида; унга муурожаат формаси. Қиблагохим, валаматим қулоқ сол. Энди сиздан оқ фотиҳа тилайман. «Равшан».

3 кўча Кўз тутиладиган томон, жой. Барча виждон аҳлининг қиблаготи Москва бор! В. Зоҳидов, Гўзаллик яратувчилар.

**ҚИБЛАНОМА** [a+ф-т] эск. айн. компас. Командирниқига ўйшаб қибланоманг борми? Ойбек, Қуёш қораймас.

**ҚИДИРИЛМОҚ** қидирмоқ *фл. мажх. н.* Зиё ака билан Раҳмат ҳам қўлга олиндилар ва Ҳасаналининг ўзи ҳам қидирилади бошланди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИДИРИШ** 1 қидирмоқ *фл. иш оти.* Йўқолган нарсани қидириш. — Ота ўз йўллари билан, бола эса отаси чехрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор кимса ёки нарсани топиш, унинг қандайлигини аниқлаш мақсадида олиб бориладиган ахтариш ишлари; қидирув. Геологик қидиришлар. Жинойят-қидириш ишлари.

3 кам қўлл. айн. изланиш. Менинг барча ижодий қидиришларим, уринишларим, мушкулотларимни бу шоир ҳал этди. Ойбек, Нур қидириб.

**ҚИДИРИШМОҚ** қидирмоқ *фл. бирг. н.* Туғилган кунимда дадам билан бўвим ном қидиришиб, ахир Адолат қўйишибди. Ғ. Расул, Адолат. Улар бир-бирларининг кўзидан маъно қидиришибди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚИДИРМИШ:** қилмиш — қидирмиш қ. қилмиш 2.

**ҚИДИРМОҚ** 1 Топиш учун уринмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ; ахтармоқ, изламоқ. Йўқолган китобни қидирмоқ. Цитата қидирмоқ. — Ҳаёт шохларга тикилиб қаради. У овоз эгасини таниган, таниганини қидира бошлаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳанифанинг келин ойиси соғайиб чиққан кунининг эртасидан бошлаб касалхонага дардица даво қидирган хотинлар кела бошлади. С. Анорбоев, Меҳр. Ҳури. гапни чўзиш учун ҳовлиқиб мавзу қидира бошлади. Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Қидириш ишлари олиб бормоқ, тадқиқ этмоқ. Янги конлар қидирмоқ. Космосни забт этиш йўлларини қидирмоқ.

3 *дцал.* Сайр-саёҳат қилмоқ. Сайр этиб-қидириб дунёни кезиб, Сўз айтиб Москвада юрган Жамбулдир. Фозил шонр.

◆ Тирноқ остидан кир қидирмоқ қ. тирноқ.

**ҚИДИРТИРМОҚ** қидирмоқ *фл. орт. н.* Кун бўйи Илҳомчани қидиртирган милиция бошлиғи ҳамон идорасида ўтирар, турли йўللарга кетган ҳодимларидан хабар кутар эди. Ҳ. Ғулом, Сента интиламан.

**ҚИДИРМОҚ** қидирмоқ *фл. орт. н.* **ҚИДИРУВ** 1 қидирмоқ *фл. иш оти.*

2 айн. қидириш 2. Археологик қидирув. Геологик қидирув. Жинойят-қидирув бўлими. — Қосон нефть-газ разведкиси коллективи қидирув ишларини жадаллаштирмоқда Б. Яхёев, Меҳнат вахтасида.

**ҚИЁ:** қиё боқмоқ (ёки қарамоқ) айн. қия қарамоқ (ёки боқмоқ) қ. қия 5. **ҚИЁЛАМОҚ** *кт. айн. қияламоқ.* Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди Чархий.

**ҚИЁМ** 1 [a] 1 Қуёш тикка кўтарилган пайт, туш пайти; пешин. Қиёмда чопиқчилар дам олгани чиқибди. Кун қиёмдан оғди. — Қиём вақтида бир-қанча болалар «тўй келди, тўй келди» деб бақириб-чақириб юзуришибди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Белги-хусусият, иш-ҳаракат, процесс ва ш.к.нинг талаб қилинган, аини меъёрига етган нормал даражаси; маром. Павла қиёмга етиб пишган эди. Алижон иштаҳа билан ҳузур қилиб ёди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Ҳамма вақт.. мулла Зухридиннинг закуска деган лаззатли оვაқти қиёмга келиб, қайнаб ётар эди. Ғайратий, Сабаб тириклик. [Омон:] Биз машқни қиёмга етказиб, милтиқ отишини ҳам хатм қилворган ёшлар бўламиз. Милтиқни қўрқмай бераверсангиз-чи. К. Яшин, Йўлчи юлдуз.

3 Охирги нуқта, тамом бўлиш пайти, охири. Соч олириш қиёмга етай деганда, сарроқлик — эгар-жабдуқ ратаси томондан қийғос тўполон овоз кўтарилиб қолди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚИЁМ** II 1 Шакарни сувда қайнатиб тайёрланган қуюқ шарбат.

2 айн. мураббо. Олча қиёми. Олма қиёми. Анжир қиёми.

**ҚИЁМАТ** [a] 1 Диний эътиқодларга кўра гўё бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб сўроққа тўпланадиган кун; охират, махшар. Афандим, ким қурбонликка қўй сўйса, қиёмат кунни қил кўприқдан ўша қўйни миниб ўтар эмиш, шу ростми? «Латифалар».

2 кўча Кий-чув тўполон, ур-йўқит. Эрталаб кўча қўққисдан қий-чув, қиёмат бўлиб кетди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги. Айланай, сизларнинг қораларингизни кўриши билан: «Раисга Жалил ўлгур етказган. Бўлмаса нега келяпти?» деб қилди қиёматти, қилди қиёматти. С. Анорбоев, Оқсой. Мана энди нима бўлди. Ҳали эшикдан киришим билан келин қиёмат кўтаради. Ойдин, Келин ўғил туғипти.

3 кўча с. т. Жуда ажойиб, киши қойил қоладиган. Қиёмат этик. — Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота билан Усмон Юсупов ҳам шу ерда [бош тўғонда] эдилар. Қўп участкалардан одам йиғилган, қиёмат базм бўлди. Ғ. Ғулом, Ҳамидни эслаб.

◆ **Қиёмати қарз қ.** қарз 2. **Қиёматда** хеч қачон, охиратда, ўлганда. Қарзингни ундан қиёматда ҳам ололмайсан. Қирққизда қўлга соз олган, қиёматда қўлғини бурар. Мақол. — [Маҳмуд:]

*Қиёматдами? Буларнинг татигини бермасам! .. Ҳе, кўзларинг курсин! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қиёматдан қийн жуда ҳам қийн, мушкул. Айниқса Тўлқиннинг ухлаши қиёматдан қийн, кўзи уйқуда бўлса ҳам, тили тинмайди. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

**ҚИЁМАТГАЧА** *рвш. с. т.* Ула-ўлгунча, абадий. Энди сендан қиёматгача ажралмайман. | Ҳеч қачон. Ут шу бўлса, ошинг қиёматгача ҳам пишмайди.

**ҚИЁМАТЛИ** Ажралмас, абадий. Қиёматли дўст. Қиёматли қўшчилар. — Мен сизнинг қиёматли синглингиз бўлай. П. Турсун, Ўқитувчи. Сен ҳам бўлгин қиёматли фарзандим. «Равшан».

**ҚИЁМАТ-ҚОЙИМ** Қиёмат кунни, рўзи қиёмат, махшар. Қиёмат-қойим бўлди. — Қиёмат-қойим бўлди, яқинда ҳаммани ер ютади. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ҚИЁС** [a] 1 Ўзаро чоғштириш, солиштириш, таққослаш; муқояса, таққос. Советлар халқининг энган қўратин, Бошқа бир қудрат-ла қиёси маҳол. Ғ. Ғулом. «Четан»ни биринчи кўздан кечирганлар унинг келаси йилларини ҳам шунга қиёс қила билурлар. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ўхшаш, тенг, мисл. Онамиз кўрагин йўқдир қиёси, Шундан оқиб чиқар меҳр дареси. Е. Мирза. Гунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик. Ғ. Ғулом. Ўзингдан қиёс (қил) ўз тажрибангга, кўрган-кечирганларингга қараб ҳукм чиқар. Саидий қўл силтади.— Ўзингдан қиёс қилавер. Сен эринг билан иноқсан? А. Қаххор, Сароб.

**ҚИЁСАН** [a] *рвш* Қиёсий равишда, таққослаш, қиёслаш йўли билан; қиёсланганда; нисбатан. Қиёсан ўрғаниш. Қиёсан олганда. — Урдининг теваарак масофасини чамалаб кўрган эдик, шунинг учун ўрдининг қай даража кенг бўлиши ҳам бизга қиёсан маълум. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИЁСИЙ** [a] Ўзаро таққослашга, қиёслашга асосланган. Қиёсий метод. Қиёсий грамматика. Сифатнинг қиёсий даражаси (грам.). — Уларнинг [ёшларнинг] биланлари тахминий ва қиёсий бўлиб, кўпинча тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Айний, Эсдаликлар.

**ҚИЁСЛАМОҚ** Ўзаро таққосламоқ, чоғштирмоқ, солиштирмоқ, тенглаштирмоқ, таққос, муқояса қилмоқ. Бухгалтер колхознинг ўтмиши ва ҳозирги турмуши, хўжалигини қиёслаб чўтга сола кетди. Э. Зокиров, Ота ўғли.

**ҚИЁССИЗ** айн. беқиёс. Қиёссиз жисмоний куч. — Чорвачиликда тенгсиз Форши ва узумчиликда қиёссиз Боғишамол боғларигача қулоқ отган Сирдарё областида бугун катта шодие-на. Ҳ. Тожибоев, Қўлимиз кўксимизда.

**ҚИЕФА** [а] 1 Ташқи кўриниш, тус. *Шахримизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзармоқда.* — *Гўё улғур бир ҳодиса содир бўлиши кутилаётгандек еру кўк тантанали қиёфа олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Исмими яширган бўлса қиёфасини айтурсиз.* Ойбек, Навоий. *У дунёдан рози эмас, норози ҳам эмас, баъзи бир одамлар қиёфасига кирмоқчи бўлаётганга ҳам ўхшарди.* П. Турсун, Ҳ. Уқитувчи. *Уша Элгелдимисан, томир? Соб бўлибсан-ку!* Бай-бай-бай... *Одамни ҳам шундай аянчли қиёфага солса бўлар экан-да.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Юз, чеҳра. *Унинг қиёфасидан хурсанд эканлиги кўринди.* — *Негадир, ҳамманинг қиёфаси бирдан жиддий тус олган.* Анварнинг кўзларида ҳатто кўрқув. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

3 Кўчма Кишининг маънавий, руҳий ва ахлоқий хусусиятлари, онги, дунёқараши, билим-савияси ва ш. к. мажмуи. *Кишининг маънавий қиёфаси.*

4 Киши ёки нарсаларнинг ўзига хос хусусияти, моҳияти. [Фрунзе:] *Кенг деҳқонлар оммасига совет ҳокимиятининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиш керак.* Ана шунда душман ифвосига учганларнинг кўзи очилди. И. Султон, Бургутнинг парвози.

**ҚИЕФАЛИ** қ. қиёфа(т)ли.

**ҚИЕФАТ** [а] кт. айн. қиёфа.

**ҚИЕФА(Т)ЛИ** Бирор қиёфада бўлган, кўринишидаги, қиёфасидаги, ўхшаш. *Биз бепоен Ватанимизга тумшук суқмоқ орзусини қилган одам қиёфатли бир махлуққа ўз кучимизни кўрсатмоқчи бўлдик.* А. Умар, Мухтор.

**ҚИЕК** Ингичка узун-узун кескир баргли кўп йиллик ўт.

**ҚИЕКЗОР** Қиёқ босган ер.

**ҚИЗ** 1 Балоғат ёшига етмаган аёл. *Қиз бола.* Ёш қиз. *Уқувчи қиз.*

2 Хотин жансига мансуб фарзанд (ўз ота-онасига нисбатан). *Унинг уч ўғил, икки қизи бор.* *Қиз чиқармоқ.* *Қиз узатмоқ.* *Қизи борнинг нозибор.* Мақол. — *Фарзанд ўғилми, қизми, барибир, ота-онанинг юраги бўлар экан.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Қиз қилиб олмоқ* бировнинг қизини ўзига фарзанд қилиб олмоқ.

3 Балоғатга етган, аммо ҳали эрга тегмаган аёл; маъсума, бокира. — *Қизми, жувонми, Гулнорми — барибир, ман дадамнинг ёш хотин олишини хоҳламайман, — деди Салим.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Қари қиз қ. қари 1.* *Қиз кўрар этн.* унашиш олдидан совчиларнинг қизини кўриш маросими. *Қиз оши этн.* никоҳ тўйидан бир кун олдин қизнинг уйда дугоналари учун бериладиган зиёфат.

4 Қизларга ёки ёш жувонларга нисбатан мурожаатда ишлатилиб, хўрмат, эркаланиш, ўзини яқин олиш сингари маъноларни ифодалайди. *Отга жуда эпчил экансан-ку, қизим!* Баракалла-е. А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ёзиб*

*беринг, айланай пошиша қиз.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИЗАЛОҚ** Қиз бола, ёш қиз. *Уйимизда яна битта қизалоқ туғилди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҚИЗАМИҚ** Баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли болалар касаллиги. *Онанинг назарида қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚИЗАРИНМОҚ** қизармоқ *фл. ўзл. н.* *Ҳалима опа қизариниб кулди.* О. Ёкубов, Бир фелъетон қиссаси.

**ҚИЗАРИНҚИРАМОҚ** Бир оз қизармоқ, қизаринмоқ. *Адолат ўз ҳаракатидан ўзи ўнғайсизланиб кетдимиз, бир оз қизаринқиради-ю, бирдан кулиб юборди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ҚИЗАРИШМОҚ** 1 қизармоқ *фл. бирг. н.*

2 Сану манга бормоқ, айтишмоқ, аччиқлашмоқ, уришмоқ. *Исломхўжа Шерназарбой билан қизаришиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚИЗАРМОҚ** 1 Қизил ёки шунга яқин тус олмоқ, қизил тусга кирмоқ. *Осмон қизарди.* *Кулунпай қизара бошлади.* *Бети совуқдан қизариб кетди.* *Нон қизариб пишди.* — *Жуда чиройли бизнинг боғчамиз, Қизариб қолди гилос, олчамиз.* Қ. Ҳикмат. *Шарқ уфқи қон пуркалгандек қизарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *Кўчма* Ножўя, номақбул хатти-ҳаракати, қилмиши, айбн, камчилиги ва ш. к. учун кимса олдида хижолат тортмоқ, уялмоқ, ўсал бўлмоқ, юзи шувут бўлиб қолмоқ. *Модомики мендан гуноҳ содир бўлмади, текишчилар ҳақиқат олдида ўзлари қизариб қоладилар, шундай эмасми?* Ойбек, Нур қидириб. *Текин томоқ бизларга ёт; Меҳнат билан ширин ҳаёт. Ё эл билан бўлмоқ керак, Ё қизариб ўлмоқ керак.* С. Акбарий.

**ҚИЗАРТИРМОҚ** қизармоқ *фл. орт. н.* *Нонни қизартириб пиширмоқ.* — *Ботаетган кўёшнинг ҳорғин нури рўпарадаги қорни, тоғ чўққисини, унинг тепасида уададай осилиб турган қора булутни бир лаҳза қизартирди-да, сўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Элмурод ичиди: «бу тоза мақтанган шекилли ҳеч ким йўғида», — деб ўйлади-ю, уни қиз олдида қизартиришни ўзига эп кўрмади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ҚИЗАРТМОҚ** қизармоқ *фл. орт. н.* *Салимни қизартиш яхши эмас.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚИЗДИРГИЧ** *тех.* Иштиш, қиздириш учун ишлатиладиган асбоб, мослама, аппарат ва ш. к. *Лампали қиздиригич.*

**ҚИЗДИРИЛМОҚ** қиздирмоқ *фл. мажж. н.* *Қиздирилган сариқ мой.* *Қиздирилган дазмол.* — *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни қар қилади.* *Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚИЗДИРИШМОҚ** қиздирмоқ *фл. бирг. н.*

**ҚИЗДИРМОҚ** 1 Каттиқ иситмоқ, иситиб қайноқ, қуядиган ёки қуйдирадиган ҳолга келтирмоқ; қизитмоқ. *Дазмолни қиздирмоқ.* *Тандирни қиздирмоқ.* *Ёз кўёши ер юзини қиздирмоқда.* — *Утнинг ҳарорати Эрашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган юзини эса, нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. | *Доғ қилмоқ* (ёғни, мойни).

2 Ҳароратини, иситмасини оширмоқ; иситма чиқармоқ. *Безақ аъзойи боданни қақшатиб, қиздирмоқда эди.* | *Қонни юриштирмоқ, қонни юриштириб ортки иситмоқ, қизитиб юбормоқ.* *Асал кўп ейилса боданни қиздиради.* *Одамни пўстин эмас, иш қиздиради.* Мақол.

**ҚИЗ-ЖУВОНЛАР** Ёш аёллар. *Йигит-қизлар, қиз-жувонлар чарвоқларнинг деворларидан сакраб ўтиб, ариқлардан ҳатлаб, югуриб борардилар.* П. Турсун, Ҳ. Уқитувчи.

**ҚИЗИЛ** 1 Қон рангидаги; қирмизи, алвон. *Қизил байроқ.* *Қизил галстук.* *Қизил қўйлак.* *Қизил қалам.* *Қизил олма.* *Қизил вино.* — *Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва бир бош қуш чўққиган қандайдир оқ узум бор эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. || *Устахона дарвозасидан берирмоқда уларни билагига қизил боғлаб олган . . . бир йигит узоқдан имо қилиб тўхтатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қизил ари айн. қовоғари.* *Қизил гул* 1) қизил рангда очиладиган ҳар қандай гул; 2) атиргулнинг қизил очиладиган алоҳида бир тури. *Ёз гулшани қизил гул, Халқим қилур намоиши.* С. Абдулла; 3) шундай гуллар очилган пайтда ўтказиладиган халқ сайили. *Қизил лавлаги айн. қизилча 1.*

2 *от* Юзнинг, баданнинг шу тусга мойил ранги; қизиллик. *Унинг юзидagi қизилга яна қизил қўшилди.* Ойдин, Ҳ. Уйдан кўрсин.

3 *кўчма* Революцион ҳаракатга, совет социалистик тузумига, Қизил Армияга оид. *Қизил аскар.* *Қизил соқчи.* *Қизил қўшин.* — *Кўзларимда эркин умид ўйнайди, Қизил шарқнинг сўнмас умиди қаби.* М. Алавия. *Эй дўстларим, офтоб чиқиб, Бизнинг ёллар бўлди қизил.* Эргаш шоир. || *Бўронбек билан Қомил Чирчиқдан ўтаётганда қизиллар тўсғинга учрашибди.* Ҳ. Ғулум, Машғал. *Қизиллар томонидан қувғинга учраган бир қўрбоқини ўз уйида яшириб қўймагани учун у ота-онамини отди, уйимизга ўт қўйди.* Ойдин; Садағанг бўлай, командир.

◆ **Қизил бурчак** қ. бурчак. **Қизил гвардия** қ. гвардия. **Қизил сўз** 1) эск. тилдагина ўзини совет тузумининг тарафдори қилиб кўрсатувчи; 2) гапга уста, сўзамол, нотўғ. *Қизил сўз одам.* **Қизил тахта** (ёки доска) эск. айн. *хўрмат тахтаси* қ. хўрмат. **Қизил тўй** қ. тўй 1. **Қизил чойхона** қ. чойхона. **Қизил Крест** ва **Қизил Ярим ой** Жамияти уруш вақтида ярадоларга, тинчлик даврида табиий офатлардан за-

рар кўрганларга ёрдам берувчи халқаро ихтиёрий ташкилот. Қизил қон с. т. қ. қизилқон.

**ҚИЗИЛБОШ** Ўрдаклар кенжа оиласининг шўнғувчилар уруғига мансуб ёввойи ўрдак.

**ҚИЗИЛИШТОН** Боши катта, тумшуги узун ўрмон қуши.

**ҚИЗИЛЛИҚ** қизил с. белги оти. Қоннинг қизиллиги. Шафақнинг қизиллиги. — Гулсумнинг юзидан қизиллик қочиб бўзарди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚИЗИЛМИЯ** айн. ширинмия. **ҚИЗИЛОЁҚ** Сув бўйларига шайадиган узун оёқли балчиқчи қуш.

**ҚИЗИЛУРУФ** Қовуннинг эти ва уруғи қизил бўладиган бир тури.

**ҚИЗИЛЧА** I Эти ва барг савағи қизил, овқатга солинадиган лавлаги; қизил лавлаги.

**ҚИЗИЛЧА** II Баданга қизил тошиш ва иситма билан кечадиган, кўпинча болаларда бўладиган, қизамиққа ўхшаш юқумли касаллик.

**ҚИЗИЛУНГАЧ** Оғиз бўшлиғи билан ошқозонни туташтирувчи найсимон овқат йўли.

**ҚИЗИМОҚ** I Каттиқ исимоқ, исиб қайноқ, куюдиган ёки куйдирадиган ҳолга келмоқ. Дазмол қизиди. Қум қизиди. Қундан-қун ҳаво қизиди. | Дов бўлмақ. Қозондаги ёғ қизиб кетди.

2 Ҳарорати ошмоқ, иситмаламоқ. Бадани қизиб турибди — шамоллаганга ўхшайди. | Ортиқ иссиқлик сезмок, исиб, қизариб кетмоқ. Юзим қизиб кетяпти. — Айниқса бу олов билан бўладиган иш эмасми, ҳар бир чўян чўмишни кўтарган сари қизил-қизил мисдай қизиб кетади киши. Ойдин, Бечора.

3 *кўчма* Каттиқ қизиқиб кетмоқ, қизишмоқ. [Содиқ:] Қизиб кетган эканман, қаранг, минебошини ҳам чўзилтирмоқчи эдим-у, бироқ орқадан келиб қўлимни боғлаганларини билиб қолдим. Н. Сафаров, Уйғониш.

4 *кўчма* Қизғин тус олмоқ, авжига чиқмоқ, жонланмоқ. Уйин-қулги қизиб кетди. Сухбат қизиди. Ишлар қизиб кетди. — Болалар кўпайиб, ҳар хил машғулотлар қизиб кетди. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳозир овнинг авжи қизиган пайти, кўлда ўрдак, қашқалдоқ кўп. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Боши қизиди** 1) боши қон тепгандек оғирлашди. Қоратой бир оз ўйланиб, боши қизиган каби, дўпписини курсига олиб қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кайфдан, мастликдан боши гангиди. Қодирнинг.. саломатлигига .. бир неча марта қадаҳ кўтарилди. Қодирнинг боши қизиб кетди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Ичи қизиди** айн. ичи пишди қ. ич 3. Октябрь келишини кутиб, ичи қизиб кетяпти Тошбибининг. Н. Юсупов, Чўл қахрамонлари шийпониди.

**ҚИЗИТАЛОҚ** Бағчадалоқ, лаънати (енгил койиш сўзи).

**ҚИЗИТИЛМОҚ** қизитмоқ фл.

мажх. н. Қолхозимизда пахта терими қизитилди. Иш қизитиб юборилди. Ер ҳайдаш кундан-кун қизитилмоқда.

**ҚИЗИМОҚ** қизмоқ 1, 2, 4 фл. орт. н. айн. қиздирмоқ. Тандирни қизитмоқ. Қуёш тошу қумларни қизитиб юборди. Сухбатни қизитмоқ. Ишни қизитиб юбормоқ. — Туянк чўми билан сугориб бўлмаганидек, ҳаммомни ҳам ғўзапои билан қизитиб бўлмайдди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. [Хонимбиби:] Тур, Саври! Ҳовлига олов ёқиб, чилдирмангни қизит. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИЗИШМОҚ** 1 қизимок 3 фл. бирг. н. айн. қизимок 3.

2 Қизимок; харорати ошмоқ. Бада-ним қизишяпти.

3 айн. қизимок 4. Ишлар қизишиб кетди.

4 Жаҳлдан, ғазабдан ва ш. к. дан ловулламоқ, тутақишмоқ. Узи нима гап? — чол яна қизишиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Қизиб кетиб қуймоқ. Ҳўл пахта гарамда кўп турса, қизишиб кетади. **ҚИЗИШТИРМОҚ** қизишмоқ 3—5 фл. орт. н.

**ҚИЗИҚ** I 1 Кишини ажаблантирадиган, хайратда қолдирадиган, ажиб, ғалати. Қизиқ ҳангомалар. — Менда қизиқ бир одат бор, оинам — ишонасанми, йўқми, бу сенинг ишинг—оғзим гапирмаса қўлим ишламайди. Н. Сафаров, Уйғониш. — Тўйнинг қизиғи шунда-да,— жаҳл билан қичқирди Йўлчи. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тушуниб бўлмайдиган, таажжублантирадиган; ғалати. Қизиқ одам экансиз-ку! | Ажабо, таажжуб.— Қизиқ! Булар ошиқ-маъшуклар-ку! — деди ўзича Элмурод ва беихтиёр тинглади. П. Турсун, Уқитувчи. — Қизиқ! — деди Қудрат, унинг саволини ва жавобини эшитмагандай. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қизиги шуки ... (ёки шундаки...) ажабланарли ёки қизиқарли ери шундаки. Қизиғи шуки, мен уни сира танимай қолдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кишини қизиқтирадиган, диққатини ўзига тортадиган; қизиқарли. Қизиқ ҳикоя. — [Асрорқул:] Мана бу, бутун ер юзини титратаётган уруш тўғрисидаги жанғнома қизиқ эмасми? А. Қаҳҳор, Хотинлар. | Кўнгил очадиган, завқли, мароқли. Базм жуда қизиқ, жуда кўнглида эди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Салимбойвачча] ўтириш жуда қизиқ, жуда хушчақчақ, базм жуда қийқириқли бўлишини билиб, бугун ҳар ҳафтадагидан кўра эртароқ саман йўғрани эзарлатиб қўйган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. || Пахта байрами ҳеч қаерда Мирзачўлдаидек қизиқ ўтмаса керак. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. || Барон фон Ринг бир кун шундай ўйлаб қараса, дунда туришининг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди. А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг.

3 Қулги келтирадиган, кулдирадиган, кулгили. Улар бир-бирига гал

бермай аллақандай воқеани гапиртишиб келишяпти. Жуда қизиқ жойига келишган бўлса керак, ҳаммалари бирдан хахолаб кулиб юборишди. С. Анорбоев, Оқсой. Абдусамодқори курсига ўтираётиб, худди қизиқ бир нарса тўсатдан эсиға тушсандай, пиқ этиб кулиб юборди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || [Шоқосим] Насриддин афанди латифаларидан гоят қизиқларини кетма-кет айтади, қотиб-қотиб кулади. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Қизғин тус олган, авжига чиққан, қизғин, жонли. Мажлис анча қизиқ бўлди. Совет аъзоларининг бу қадар кўп иштирок этган мажлислари камдан-кам бўлар эди. П. Турсун, Уқитувчи. **Қизигида** 1) авжга чиққан, қизиб кетган пайтида. Ишининг айни қизигида ёмғир қўйиб қолди. — [Ҳожиди хола:] Отам, ўйин қизигида ютқазини урди, пешанасини ёрди, йиғлади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.; 2) қулай пайтни қўлдан бермай, иссиғида. **Қизик** устида 1) айни вақтида, ўз вақтида; совутмай, кечиктирмай. Қизик устида шу ишни ҳал қилиб қўя қолайлик; 2) жаҳл чиқиб турган пайтда, қизишиб, тутақиб турган ҳолда. — Яхши қилибсиз, лекин болангиз бор экан,— деди Иброҳимов.— Ҳозир қизиқ устида билинмас-ку, кейин чиолмасиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

5 айн. қизикчи. Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар, бу киши Худдорнинг энг яхши қизиғи Зокир гов эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҚИЗИҚ** II Қизиб турган, қизиган, жуда иссиқ пайт ёки ҳолат. Қун қизиғи. Тош қизиғи. — Ҳамма ёқда сув, ҳамма ёқда дарахт,— деди Уктам кенг нафас олиб, бу ерларда саратон қизиғи ҳам билинмаса керак. Ойбек, О. в. шабадалар. Томиринда қонинг қизиғида ўйнаб-қулганга нима этсин! Шухрат, Шинелли йиллар. || Қун қизиқ. Офтоб яғридан уриб туради. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

**ҚИЗИҚАРЛИ** I Кишини қизиқтириб қўядиган, диққат-эътиборни ўзига жалб қиладиган. Қизиқарли физика. Қизиқарли ҳикоя. || Қизиқарли қилиб сўзламоқ.

2 Кишини бирор жиҳатдан рағбатлантирадиган; манфаатли. Бу ишининг унга қизиқарли ери йўқ.

**ҚИЗИҚИШ** I қизикмоқ фл. иш оти. Спорт ишига қизиқиш.

2 Майл, ихлол; муҳаббат; манфаатдорлик. Унинг музыкага қизиқиши зўр. — Харидорларда ҳеч бир қизиқиш, ҳеч бир ҳаракат кўринмай бошлааач, карвонбошининг ишини ит тирнай бошлади. Айний, Қуллар.

**ҚИЗИҚИШМОҚ** қизикмоқ фл. бирг. н.

**ҚИЗИҚЛИК** I 1 қизик I 1—3 с. белги оти.

2 айн. қизикчилик 2. **ҚИЗИҚЛИК** II қизик II с. белги оти. **ҚИЗИҚМОҚ** I Диққат-эътибор бер-

моқ, диққат-эйтибор билан қарамоқ. *Колхозлаштириш ҳақида миши-миши гаплар кўпайгандан кейин бунга ҳамма қизиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.— *Овозини чиқариб, ўқи, нима дебди? — Мирзакаримбой ҳам қизиқди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Майл, мухаббат қўймоқ; рағбатланмоқ. *Мен музыкага қизиқман. У футболга жуда қизиқди. — Биз.. энди эсини танган боладаймиз: кўп нарсага қизиқамиз, кўп нарсани билгимиз келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Мен энди дунёдан ўтаётган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Астойдил киришмоқ, берилмоқ. *Китобга қизиқиб кетиб, чой ичинини ҳам эсимдан чиқарибман.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *У шунча қизиқиб кетган эдики, елкасига аста қўйилган қўлни ҳам сезмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Икковимиз ҳам янча хаваскор ғассол бўлаганимиз учун қизиқиб кетиб [ўликни] уч мартагина эмас, ўн-ўн беш марта чайқаб жуда ҳам оқ ёқ қилиб юбордик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 Хавас қилиб эргашмоқ. *Қўқон кетаётган ўртоқларига қизиқиб, борма деганга қўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гапон, хушчақчақ меҳмонларга қизиқиб, у ҳам майни қониқиб ичган эди, чала ечиниб тош қотиб ухлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚИЗІҚСИНМОҚ** Маълум даражада қизиқмоқ, қизиқандек бўлмоқ. *Шоирман денг! — қоровул қизиқсиниб унга қайта бошдан кўз югуртди.* Н. Фозил, Хаёт ўргатди. *Хадичабегим Астрободда рўй берган воқеалар билан қизиқинди.* Ойбек, Навоий. *Жанечилар комиссарнинг ҳикояларини қизиқсиниб тинглемоқда эдилар.* М. Муҳамедов, Машқ.

**ҚИЗІҚТИРМОҚ** қизиқмоқ *фл. орт. н.* *Бу ҳикоя ҳаммани қизиқтириб қўйди.* *Музыкага қизиқтирмоқ. — Уни ҳозир ўрдак овидан кўра Жумагулининг жамоли қизиқтирар.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.— *Бу ердаги нарсалар,— деди Олимов..— фақат сизларни эмас, ҳатто олимларни ҳам қизиқтиради.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚИЗІҚУВ** *айн. қизиқиш 1.*  
**ҚИЗІҚУВЧАН** Ҳар нарсани библишга интиладиган, ҳар нарсага қизиқадиган. *Қизиқувчан бола.*

**ҚИЗІҚЧИ** 1 Қизиқ ҳаракатлари ва сўзлари билан кишиларни кулдирувчи одам.

2 Халқ сайилларида, йиғилишларида томошабинларни кулдирадиган ўйинлар кўрсатувчи артист; масхарабоз. *Қизиқчилар ўйини. Қизиқчилар кийими. || Қизиқчи артист. — Қишлоқ болалари бу масхарабоз, қизиқчи бола — Қимсаннинг сўзига қотиб кулишдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан. *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида*

*қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ҚИЗІҚЧИЛИК** 1 қизиқчи *с. касб оти.*

2 Қизиқчилар кўрсатадиган ўйин-томоша. *Қизиқчилик кечаси. — Унинг асл исми Наби. Узининг ашуласи, чоғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» — «Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **ҚИЗІҚЧИЛИККА** *эки қизиқчилик учун кишиларни кулдириш ёки эрмак учун, ҳазил тариқасида. Бу ишни қизиқчиликка қилдим* — *Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семир-гандай юм-юмалоқ.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

**ҚИЗІҚҚОН** 1 Салга жаҳли чиқиб, туюқиб кетадиган, аччиғи тез. *Қизиққон одам. — Биламан.. Сен қизиққонсан. Узингни бос.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Яхшики боғи гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқча терингизга сомон тиққан бўлар эди; қизиққон, ғайратли йигит у.* М. Осим, Тўмарис.

2 кам қўлл. Юрагида ўти бор; сергайрат.

**ҚИЗІҚҚОНЛИ** кам қўлл. *айн. қизиққон.* *Иним, бизнинг тарафини фўқароси андак қизиққонли бўлади.* Ойбек, Навоий.

**ҚИЗІҚҚОНЛИК** қизиққон *с. белги оти.* *Қизиққонлик марда эмас муносиб.* Ж. Жабборов. *Бу гўзаллик кибер ёки совуқликни эмас, балки ғайрат ва қизиққонликни тақозо қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҚИЗІҒАР** сўк. Енгил койишни ифодалайди.

**ҚИЗЛИ** Қизи бор, қизи бўлган. *Қизли уй. — Бу тўй ўғилнинг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади? «Алпомиш».*

**ҚИЗЛИК** 1 қиз 1—3 *с. белги оти.* *У сизга қизлик қилмайди.*

2 Аёлларнинг ёшлик чоғи ва шу чоқдаги ҳолати. *У қизлигида жуда чиройли эди. — Фазлиддин Нури қизлик чоғида ўз хаёлида чизган.. йигитларга сира ўхшамас эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Иффат, маъсумалик, бокиралик. *Қизлигини йўқотмоқ. — Офтоб ойининг «нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўрашига: «Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди»,— деб кулди [Қумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚИЗТАЛОҚ** *айн. қизиталоқ.*  
**ҚИЗУВЧАН** 1 Тез қизийдиган. *Мис қизувчан металлдан биридир.*  
2 кўча Салга аччиғи келадиған; жаҳли тез, қизиққон.

**ҚИЗЧА** 1 қиз 1, 2 *с. кичр. эркл.*  
2 Ёш қизларга мурожаат формаси.

**ҚИЗҚУШ** Балчиқчилар туркумига мансуб, жиғали ботқоқ қуши; қизғиш.

**ҚИЗҒАЛДОҚ** *айн. лолақизғалдоқ.*  
**ҚИЗҒАНИШМОҚ** қизғанмоқ *фл. бирг. н.*

**ҚИЗҒАНМОҚ** 1 Бирор нарсани сарфлашга ёки бировга беришга оғринмоқ, эсиб деб билмоқ, ҳайф кўрмоқ, аямоқ. *Айрон сўраб келгандан челагингни ҳам қизганма.* Мақол.

2 Ачинмоқ, раҳми келмоқ. *Қизган опа ўқисни, Уша қутқазди бизни.* Х. Олимжон. *Йигит кўзларидаги алам ва фироқни кўрган Искандаро уни қатиқ қизганди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *с. т.* Рашк қилмоқ. *«Абдувахобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизганадиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмади, одам эмас — кул»,— дейишарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Умар Гулсунни Холмуроддан қизганиб, ичи ўртаниб келган эди.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ҚИЗҒАНЧ** Кишининг раҳми келадиган, кишини ачинтирадиган; ачинарли, аянчли, аянч. *Рўтарасида «билдингизми?» дегандай ўзича фахр билан қараб турган Раҳмонқулов унинг кўзига қизған кўриниб кетди.* А. Мухтор, Тугилиш.

**ҚИЗҒАНЧИК** 1 Нарсанин бировдан аяйдиган; бахил, Қизғанчиқ бола. — *Новда керак десам, ўзимизга керак, помидор бойлаймиз дейди.* *Қизғанчиқ!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Рашкчи; ҳасадчи.  
**ҚИЗҒАНЧИҚЛИК** қизғанчиқ *с. белги оти.* *Қизғанчиқлик бахилнинг иши.*

**ҚИЗҒАНЧОҚ** *диал. Қизғанчиқ.*  
**ҚИЗҒАР** *с. т.* Қизғар.

**ҚИЗГИМТИР** *айн. қизғиш 1.*  
**ҚИЗҒИН** 1 Қизиб турган, қизиган; ҳароратли, иссиқ; қайноқ. *Саратоннинг қизғин кўеши. — Қизғин қум.. остидан янегина келтирилган тўрт дона кўмач иштаҳаларни ўзига тортар эди.* Айний, Қуллар. *Партияга, Ватанга меҳр-муҳаббатимиз, Фестиваль машғулидай, қизғин, сўнмас, ҷароғон.* Э. Раҳим.

2 Жўш урган, жўшга келган; жонли, жўшқин. *Қизғин суҳбат. Қизғин мунозара. — Пахта экилган бир қитъа ер устида тўпланган бир неча колхозчилар ўртасида қизғин баҳслашув бормоқда эди.* Айний, Қуллар. *Докладдан кейин қизғин музокара бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || *Муҳаммад Жамол бир пас ўйлаб сукут қилди-да, кейин идеология соҳасидаги кураш ҳақида қизғин гапирди.* Ойбек, Нур қидириб. | *Қайноқ, оташин. Қизғин саломлар. Қизғин муҳаббат. — Севгисини, сезгисини ағловчи, бу қизғин сезги ва сезгиза оташин сезги, сезги билан жавоб бера олувчи ва береувчи ёлғиз Хаёт эди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. || *Улар ҳаммага очик чехра билан салом берадилар, қизғин кўришадилар.* Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. | *Авжига чиққан, авжи қизиган, жўшқин. Қизғин иш. Қизғин кураш. || Раёнимизда чиғит экиш қизғин бормоқда. — Ҳамма участкаларда қизғин терим давом этар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. 1917 йилнинг охир



ларидаёқ амирликнинг ғарбий районларида деҳқон ҳаракати қизғин тус олиб кетди. Г. Тўхтаматов, Бухоро халқ революцияси.

**ҚИЗҒИНЛАШМОҚ** Қизғин тус олмақ. *Иш қизғинлашди. Мунозара қизғинлашмоқда. Кураш қизғинлашди.*

■ Ер ислохоти тўғрисида сўз қизғинлашган сайин унинг боши ёстиққа яқинлаша берди. А. Қаххор, Сароб.

**ҚИЗҒИНЛАШТИРМОҚ** қизғинлашмоқ *фл. орт. н.*

**ҚИЗҒИНЛИК** қизғин с. белги оти. *Ишнинг қизғинлиги. Тортишувларнинг қизғинлиги.* ■ — Ҳақиқат, синалган ҳақиқат! — деди Уктам қизғинлик билан. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚИЗҒИШ** I Қизилга мойил, қизилга яқин рангдаги; қизғимтир. *Қизғиш гуллар. Қизғиш шўбла. Қизғиш тош. Қизғиш япроқлар.* ■ Уфқ қизғиш тусга кириб, тонг ёришарди. Ш. Рашидов, Бурондан кучли. Куз ўрмоннинг ювилган, тоза сарғиш-қизғиш олтинини ёлқинлатди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ҚИЗҒИШ** II *айн. қизқуш.* **ҚИЙ** Қўй, эчки ёки туя қумалоғидан иборат гўнг қатлами.

**ҚИЙДИРМОҚ** қиймоқ I—4, 6 *фл. орт. н.*

**ҚИЙДИРТИРМОҚ** қийдирмоқ *фл. орт. н.*

**ҚИЙДИРТМОҚ** қийдирмоқ *фл. орт. н.*

**ҚИЙИЛЛАМОҚ** Ингичка қичқирик овоз чиқармоқ, қийилламоқ. *Мирзачўлга кеккайиб келиб, қийиллаб қочган бунақа жўжаҳўрозларни кўп кўрганман. А. Қаххор, Янги ер.*

**ҚИЙИЛЛАТМОҚ** қийилламоқ *фл. орт. н.* Шу қилганинга сеними .. бошим омон бўлса, товўқдай қийиллатиб олиб қираман. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ҚИЙИЛЛАШМОҚ** қийилламоқ *фл. бирг. н.*

**ҚИЙИЛМОҚ** I қиймоқ I, 3—6 *фл. мажх. н.* Ой юзлар, қаламдай қийилган қошлар, Шер сифат, мардона, шўх барно ёшлар. С. Жўра. Қирчинингдан қийилгур қ. қирчин.

2 қиймоқ 2, 6 *фл. ўзл. н.* Қўлим қийилиб кетди.

**ҚИЙИН** I Осонлик билан қилиб бўлмайдиган, кўп меҳнат, куч, маблағ, вақт ва ш. к. талаб қиладиган; сермашаққат, машаққатли. *Қийин иш.* || Бу тоққа чиқиш жуда қийин. | Осонлик билан ечиб, ҳал қилиб бўлмайдиган, кўп билим, маҳорат ва ш. к. талаб қиладиган; мураккаб. *Қийин савол. Қийин масала. Қийин вазифа.* ■ Топилиши қийин топилмоқларни кўп билган Нури, ҳозир ўйлай-ўйлай, бирини ҳам эсга келтиролмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Оғирчилик, қийинчилик билан боғлиқ бўлган; оғир, мушкул. *Қийин шароит. Қийин аҳвол.* ■ Қараб ўтирсак уят бўлади, халқ .. «қийин кунимда асқотмади» дейди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Мусофирчилик

қийин, бола-чақани соғинади киши. Ойбек, Қутлуғ қон. — Бола фақирга қийин бўлади, — деди Жонизоқ оқсоқол Ойсулув сузиб келган ожикатни еяётиб. С. Анорбоев, Оксой.

3 *Кесим вазифасида Маҳол, амри маҳол. Қоронғида ким эканини билиш қийин. Қасалнинг келиши осон, кетиши қийин. Мақол.* ■ У замонда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт танга орттириши қийин эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Эй нодон қиз, Тўлқинжон шунча қизларнинг ичида сени севиб қолани учун шолан! Тўлқинжондек йигитни топшинг қийин. Ф. Мусаёнов, Ҳури.

◆ **Қийин кўчмоқ айн. оғир кўчмоқ қ. кўчмоқ.**

**ҚИЙИНДИ** Газмол, чарм, тунука ва ш. к. нарсани қийиб ишлашда ҳосил бўлган чиқинди, қийқим, қийқинди.

**ҚИЙИНЛАШМОҚ** I Аввалгига нисбатан қийин, машаққатли бўлмоқ, оғирлашмоқ. *Чўққига чиқли тобора қийинлашмоқда. Иш қийинлашди. | Мураккаблашмоқ. Илтиҳонлар анча қийинлашди.*

2 Кескинлашмоқ, оғирлашмоқ. *Вазият қийинлашиб кетди.*

**ҚИЙИНЛАШТИРИЛМОҚ** қийинлаштирмоқ *фл. мажх. н.*

**ҚИЙИНЛАШТИРМОҚ** қийинлашмоқ *фл. орт. н.* Қиш тор ва ноқулай мактабни янада қийинлаштирганига қарамай, унинг ўқувчилари активликни қўлдан бермадилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИЙИНЛИК** I қийин с. белги оти. *Ишнинг қийинлиги. Масаланинг қийинлиги.* ■ Қийинлиги билан неча пуллик ишим бор. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. || [Нор:] Сизнинг мўлдаонгиз бошқа нарсада. Бўлмаса, сизга бунинг ҳеч қийинлик жойи йўқ. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Машаққат; азоб-уқубат. *Бектемир айла учраган қийинликларни унутди. Ойбек, Қуёш қораймас.* [Тожибой:] Ҳаммаси тирик, лекин .. кўп қийинликлар тортишди. Ҳамза, Паранжи сирлари. *Онаси қурби етмагандай, қийинлик билан қовоқларини кўтарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҚИЙИНЧИЛИК** I Ишга халал берадиган, уни қийинлаштирадиган нарса ёки ҳолат; монелик, тўсиқ, ғов, қийинлик. *Қийинчиликларни енгмоқ.* ■ Унгуур .. ичкарилаган сари қийинчиликлар тугдириб борди. Уч қулоч илгариллаш билан унгуур ичи анча қоронғилашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сафаров бу масала ва ишда учраган қийинчиликлар тўғрисида гаплашиши, йўл-йўриқ олиш учун районга бормоқчи бўлиб турганда .. Шодиев келиб қолди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Машаққат; азоб-уқубат. *Большевик халқ деб жонини ҳам аямайди, қийинчиликлардан, машаққатлардан қўрқмайди, маслаҳатдан қайтмайди. Ж. Шарипов, Хоразм. Йўлчи. Гулнорни Шоқосимнинг хужрасида қолди-*

риб, улов қидиришга кетган эди. — Қоратойга йўлиқди, қийинчилик билан бир аравани байлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Оғир моддий аҳвол, қаттиқчилик, оғирчилик, вазминчилик. *Қийинчилик билан ўсган бола.* ■ Ҳаммаларининг гаплари, айланиб келиб, тобора авж олаётган қимматчилик ва қийинчилик устида тўхталар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИЙИН-ҚИСТОВ** Ҳаддан энёд қиштак, шошилтириш, холи-жонига қўймай ундаш ёки талаб қилиш. *Бир йил ўтгандан кейин у, Собирнинг қийин-қистови билан, Адҳамни судга қақиртирди. Х. Зиёхонова, Унутилмас хатолар. Бунчалик қийин-қистовга олиб ишлашларидан янги пахта териш машинаси битиб қолай деганга ўхшайди. М. Худойқулов, «Зангори кема» ижодкорлари. | Иш ғоят кўпайган ёки зуд, зик пайт. Қийин-қистовга қолмоқ.*

**ҚИЙИН-ҚИСТОК** *айн. қийин-қистов.* Салимжон, болани баҳона қилиб, ҳар кун кишинедан бўша деб хотинини қийин-қистокқа олаверди. А. Муҳиддин, Давлат қоралоғичси.

**ҚИЙИШМОҚ** I қиймоқ *фл. бирг. н.*

2 Нархни ўз фойдасига ошириш ёки камайтириш учун талашмоқ, тортишмоқ, савдолашмоқ. *Мутавалли қийиша-қийиша Алёнкани ҳам ўттиз тиллага сотиб олди. М. Осим, Элчилар. У [хотин] Зумрадининг таърифини зийтган ҳамон шоҳи ва ипақларни кўтариб келди ва эзмаланиб узоқ қийишди, бир жуфт қозик лунги билан бир гулқўрпа буюриб кетди. Ойбек, Улуғ йўл.*

**ҚИЙИҚ** I I Мага, қоғоз ва ш. к. дан одатда учбурчак шаклда қийиб олинган парча ёки ортиб қолган қийинди, қийқим. *Қоғоз қийиқлари. || Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Бир томони баланд, бир томони паст; қия, қийғоч, қийшиқ. *Йигилган пулларни яктагининг қийиқ чўнтагига солиб, хайрлашиб жўнади. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота. [Кумуш] айвон устунига сунганч, қора қийиқ қошларини чимириб кўча йўлак томонга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Қисик ёки сузук; қисилган ёки сузилган, қийғоч (кўз ҳақида). *Чорбоғнинг қоқ ўртасига қурилган баланд шийпон зиналаридан ўрта ёшли, миқтидан келган қийиқ кўзли бир киши тушиб келаётган эди. М. Осим, Ўтрор.*

4 Кўнча Гапта кўнмайдиган, тутган ерини кесадиган; ўжар, қайсар. *Қийиқ бола.* ■ Мулла Икром қийиқ одам бўлганиданми ёки касби шунчи лозим кўрганиданми, мурсага унамади. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Кўнча Хато, нотўғри, қинғир. *Агаповнинг сени менсимай пичинг қилиб, гапингдан қийиқ топиб ўтириши бежиз бўлмаса керак. И. Раҳим, Ихлос. Қилдан қийиқ ахтармоқ (ёки топмоқ) тўғри гапдан, ишдан хатолик изламоқ. Ҳар қайсимиз битта одамча дуб-*

-тирилаётган бўлсагу, қалдан қийиқ ахтариб, эвеномиэни тоибақа қилиб газетлага чиқаришса. Х. Нуъмон, Фаслар. | Ёмон, тескари, қинғир. Гарчи қўнғлига қийиқ гап келмаган бўлса ҳамки, шундай ёш жувонда ўқиш ўзи учун ғайритабиийбек кўринар эди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**КҲИЙК** II Одатда белга боғлаш учун атрофига гул тикилган тўрт бурчак мата; белбоғ, қийиқча. Лас қийиқ. Шоҳи қийиқ. — [Ғози] қишда беқасам тўн устидан шоҳи қийиқ боғлар, ёзда эса пилта ёқали оқ яқтакни белбоғсиз киярди. И. Раҳим, Ихлос. Хадича хола бундан яқин олти ой бурун келганида бир қийиқ беҳи олиб келди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КҲИЙКЛИК** I қийиқ I с. белги оти. У қийиқлигини қўймайди.

**КҲИЙКЛИК** II Қийиқча учун ярайдиган; қийиқбоп. Қийиқлик шоҳи.

**КҲИЙКЧА** ай. қийиқ II. Шоҳи қийиқча. Қийиқча боғламоқ. — Тикиб қўйган қийиқчаю гулдор халтачаларингиз қани? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КҲИМА** Чопқи билан чопиб ёки мясорубкадан ўтказиб майдаланган гўшт. Ёғли қийма. Гўштни қийма қилмоқ. Овқатга қийма солмоқ. II Қийма шўрва. — Баковул ичига қийма тикилган қакликларни олиб ўтати.. М. Осим, Ўтзор.

**КҲИМАБОП** Қийма қилишга ярайдиган (гўшт ҳақида).

**КҲИМАЛАМОҚ** I Чопқи билан чопиб, мясорубкадан ўтказиб майдаламоқ, қийма қилмоқ. Гўштни қиймаламоқ.

2 кўчма Майда-майда, бурда-бурда қилмоқ. Қоғозни қиймалаб ташлабди. — Ғаффорбой қишлоқни қон қақшатипти. Халим акамни қўлга тушириб қиймалади. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 кўчма Пора-пора қилмоқ, эзмоқ, жароҳатламоқ. Зумраднинг ҳазин овози юракни қиймаларди. С. Зуннунова, Гулхан.

4 Қийма солмоқ, қийма қўшмоқ. Тузук, овқат сўровди, қиймалаб, қатиқлаб хўрда қилиб бердим. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**КҲИМАЛАНМОҚ** қиймаламоқ фл. мажҳ. н. Қиймаланган гўшт. — Қишлоқ четида, қалин дархатзорда ўнлаб қизил аскарнинг қиймаланган гавдаларини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**КҲИМАЛАТМОҚ** қиймаламоқ фл. орт. н.

**КҲИМАЛИ** Қийма солинган. Қиймали мастава. Қиймали сомса.

**КҲИМАТ** [а] I эк. Бирор товарни ишлаб чиқариш учун сарф бўлган ва шу товарда моддийлашган абстракт меҳнат миқдори. Товарнинг алмашинув қиймати. Истеъмол қиймати. Қўшимча қиймат.

2 Тайёр иш, объект, маҳсулот ва ш. к.га сарф бўлган маблағ, меҳнат ва материалларнинг пул билан ифо-

даланган мажмуи. Бинокорлик ишларининг қиймати анча камайтирилади. | Савдо-сотикда нарх, баҳо. Молларнинг қиймати.

3 кўчма Киши ёки нарсанинг турмушда тутган ўрни, ахамияти, қадри. Отабекнинг .. ёзган хатини ўқиб эшитиш Қумуш учун катта қийматга молик эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 мат. Ўзгарувчан миқдорнинг маълум шаронгдаги катталиги. Икснинг қиймати. Тригонометрик функциянинг қиймати. | Ўлчов асбоблари шкаласининг ҳар бир бўлими ифодалаган катталиқ.

5 с. т. Қиммат. Бу киши «қиймат беҳикмат эмас, арзон беиллат эмас, бунинг тагида бир иллат бордир, сабр қилайлик» деб, ланжлик қилдилар. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КҲИМАТАХТА** Гўштни чопиб қийма қилиш учун мосланган тахта ёки кунда.

**КҲИМАТБАҲО** [a+ф-т] с. т. Қимматбаҳо.

**КҲИМАТЛИ** I эк. Бирор қийматга эга бўлган (қ. қиймат I).

2 с. т. ай. қимматли I, 2. Марҳамат, марҳамат, қийматли меҳмон, жуда яхши келдингиз. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

**КҲИМАТШУНОС** [a+ф-т] кам қўлл. Мол ёки нарсанинг қадр-қийматини яхши биладиган, баҳолай оладиган киши. Ҳар қадамда бир тўхтаб, қийматининос сингари, матоларнинг ранги .. ва ҳоказолар ҳақида баҳо бериб турди. Ойбек, Навоий.

**КҲИМА-КҲИМА:** қийма-қийма қилмоқ майда-майда, бурда-бурда қилмоқ, қиймалаб ташламоқ.— Қотиллар!..— деди Нормат ғазабланиб.— Ушлаб олиб қийма-қийма қилгим келпти уларни! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КҲИМОҚ** I Қайчи билан бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ. Бахмални қиймоқ. Қоғозни қиймоқ. Тунукани қиймоқ.

2 Зич, таранг тортилиш, боғланиш ва ш. к. туфайли тана ёки аъзо ичига ботиб жароҳатламоқ; ўйиб кирмоқ (ип, сым ва ш. к. ҳақида). Қўлимни сым қийиб юборди.

3 диал. Тандан жудо қилмоқ, олмақ, кесмоқ, чопмоқ, узиб ташламоқ. Қарчиғайман, душман бошин қилман.— Алпомиш.

4 с. т. Айланма йўлни қўйиб тиккасига юрмоқ. Бурилишларда йўлни қийиб ўтмоқ. — Неча тоғнинг тумшугин қийиб ўтиб борди.— «Равшан».

5 кўчма с. т. Усталик билан бажармоқ, моҳирлик билан адо қилмоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ, дундирмоқ, бопламоқ. [Маширабжон] хушовоз йигит-а. Ашулани роса қияди-да. Ш. Саъдулла, Икки билагузук. Роса овози бор экан-да, йўлини ҳам қияр экан. Ойбек, Қутлуғ қон. Оббо Жўравой-е, аммо, лекин гапни

қиясиз. Ёлғонни ҳам ростдай қилиб гапирасиз. Уйғун, Хуррият.

6 кўчма кам қўлл. Камайтирмоқ, қисман нобуд қилмоқ, йўқ қилмоқ. Бировнинг ризқини қиймоқ. — Саидий бунга ишонмасам ҳам, Мунисхоннинг шу ҳаракати унинг умридан катта қийди. А. Қаххор, Сароб.

◆ **КҲИМАДИ** майли, хоҳиши, рафати бўлмади. Ширвоннинг катталари, подшога яқинлари — бариси Равшанбекни дорга осмоққа қиймадилар. «Равшан». Кўзи қиймайди (т. к., ж. к. билан) 1) ажралишга, ташлаб, қолдириб кетишга кўнгли, розилиги бўлмади. Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлашим келмайди, Гулнор! Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бировга беришга, воз кечишга, бахридан ўтишга кўнгли, розилиги бўлмади. Якка хўжалиқларнинг кўпи бисотида бор жониворлардан кўзи қийганини сўйиб, кўзи қиймаганини шаҳарга ҳайдай бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор; 3) ачинди, юраги ачишди, раҳми келди, аяди. Бечора Нодира оғир ҳолда Анварни кишига шогирд бериб, ўқишини зое қилишга кўзи қиймади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сўзини қиймоқ сўзини ерда қолдирмоқ, қайтармоқ. Менга иш буюринг. Камол аканинг сўзини қиймай, бир соатга вақт топиб келдим. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**КҲИНАЛИШ** I қийналмоқ фл. иш оти.

2 Қийинчилик, муҳтожлик. Моддий жиҳатдан қийналиш. Қийналиш нима эканини билмаслик.

3 ай. қийноқ I.

**КҲИНАЛИШМОҚ** қийналмоқ фл. бирг. н.

**КҲИНАЛМОҚ** I қийнамоқ фл. ўзл. н. Оғриқдан қийналмоқ. Ташналиқдан қийналмоқ. Тоғқа чиқишда кўп қийналдик. Масалани ҳал қилолмай қийналмоқ. Руҳан қийналмоқ. — Қиз тўғри ўша ерга келиб чўккалади. У ҳансирар, қийналиб нафас олаётгани биллиб турир эди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Эшонимиз ҳам битта қари хотин билан қийналиб кетдилар. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Отабек боши берк кўчада қолганда бўлади, жавобига қийналди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Виждони (ёки виждонан) қийналмоқ эзилмоқ, виждон азобига тушмоқ. У [Низомжон] шундай хаёлларга берилган онларда виждони қийналиб кетарди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 қийнамоқ 3 фл. мажҳ. н.

3 с. т. Бирор жиҳатдан сиқилмоқ, муҳтожлик, қийинчилик сезмоқ, зорикмоқ. Сувдан қийналдик. Пулдан қийналмадик. — [Йўлчи].. тутилиб қолмас-а, калласи жойида; тегирмонча тушса бутун чиқадиганлардан у, Лекин овқатдан қийналади-да, менадан баттар чақасиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КҲИНАМОҚ** I Жонга озор бермоқ, азият етказмоқ, азоб-уқубатга солмоқ. Тиш оғриғи мени қийнапти. Уни

тащналик қийнаятти. — Анвар қийнамай, озор бермай, захасиз капалак тутиб келанларга сабоғини ўқитиб қўйиш билан мукофот берар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Машаққат чектирмоқ. Қомилла оқсаб қолди, уни баланд пошнали қошиқдай ихчам туфлиси қийнар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. | Жондан безор қилмоқ. Бала онасини қийнаб юборди. | Руҳан эзмок, изтиробга солмоқ. Уни виждон азоби қийнамоқда. — Нимага индамайсиз, Ҳаётхон? Гапиринг, ё мени қийнагани чиққанмидингиз? М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қийин аҳволга солмоқ, қийинчилик туғдирмоқ. Тил билмаслик биринчи ҳафта-ларда уларни қаттиқ қийнади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бош қотиришга, кўп ўйлашга, кўп ишлашга мажбур этмоқ. Қийин савол бериб сизларни қийнаб қўймадимми? Жонини (ёки ўзини) қийнамоқ ўз жонини койитмоқ, ўзини азобга солмоқ. Сен болам деб, ширин жонинг қийнадинг. «Рустамхон», Унисис .. пала-партини уравергади, кучи билан ёради, ўзини қийнайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с. т. Бирор жиҳатдан чекламоқ, қисмоқ, мухтож қилмоқ, зориқтирмоқ. Овқатдан қийнамоқ. Пулдан қийнамоқ.

3 Махсус усуллар билан азоб бермоқ, азобламоқ, қийноққа солмоқ. Қийнаб сўроқ қилмоқ.

**ҚИЙНАТМОҚ** қийнамоқ 3 фл. орт. н.

**ҚИЙНАТТИРМОҚ** 1 қийнатмоқ фл. орт. н. Бировни қийнаттирмоқ. 2 айн. қийнамоқ. Жонини (ёки ўзини) қийнаттирмоқ айн. жонини (ёки ўзини) қийнамоқ қ. қийнамоқ 1. Биз Азизбек кабилардан халқнигина эмас, балки ўзимизни ҳам қийнаттирмоқдамиз! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИЙНАШ** 1 қийнамоқ фл. иш оти. Кўп савол бериб қийнаш.

2 айн. қийноқ 2.

**ҚИЙНАШМОҚ** қийнамоқ фл. бирг. н.

**ҚИЙНОВ** 1 қийнамоқ фл. иш оти. 2 айн. қийноқ 2. Махбуслар қийновдангина эмас, очликдан ҳам ҳалок бўлардилар. А. Раҳмат, Азиз тупроқда унган дўстлик.

**ҚИЙНОҚ** 1 Жисмоний ёки руҳий азоб, азият, азор. Атрофда гув-гув пашша; оёқларга ёпишади, бурун каттакларига суқулади, қулоқни узади.. бир зум тинчлик йўқ. Йўлчи соч олдириб бўлгунча, қийноқ учиди тоқатсизланди. Ойбек, Қутлуғ қон. Руҳий азоб ва мушкул фикрлар қийноғида тунинг қандай ўтганини сезмай қолдим. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Махбуслар, тутқунлар ва ш. к.ни қийнаш ва шу йўл билан улардан керакли маълумотлар олиш учун қўлланиладиган махсус усуллар ва воситалар мажмуи. Сонсиз қийноқлар,

алдашлар ҳам Серёжани гапиртира олмади. А. Раҳмат, Соқов бола.

**ҚИЙНОҚЛИ** Қийнайдиган, азоблайдиган, қийноққа соладиган. Узи қалбдан азобланар, унинг учун бу гаплар, оғир, нақадар қийноқди эди. Ҳ. Шамс, Оқ падар.

**ҚИЙНОҚХОНА** Асир, махбус ва ш. к.ни қийнаш ва шу йўл билан улардан керакли маълумот олиш, айбига иқдор қилдириш учун мосланган махсус хона.

**ҚИЙНОҚ-ҚИСТОҚ** айн. қийин-кистов. Фарида индамай ишга отлана бошлади. Онаси қийноқ-қистоққа олаверишдан истиҳола қилди. Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ҚИЙПАҢГЛАМОҚ** айн. қийшаңгламоқ Чол қийпаңглабеина унинг олдига борди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ҚИЙПИЧОҚ** айн. қирпичоқ. [Зуннунов] раислар билан ҳам қийпичоқ. Унга фақат «Қизил куч»нинг раиси Умар ака ёқади. И. Раҳим, Ихлос. Энди мен билан ҳам қийпичоқ бўлмоқчимисиз ўртоқ Муҳамедов? П. Қодиров, Уч илдиш.

**ҚИЙРАТИЛМОҚ** қийратмоқ фл. мажх. н. Қайта-қайта чопиқ ва культивация қилинган пайкалларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг уруғи қийратилди. Қ. Шарипов, Олти юз азамат.

**ҚИЙРАТМОҚ** 1 Кўплаб ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ, қирмоқ. У [Абдулла ака] Вола бўйлариди бўлган жанларда душманни қийратди. О. Ҳакимов, Дарғалар.— Қойилмиз,— деди Марҳамат Раҳимга киноя билан,— сени овчиликка ишқивоз деб зийатган эдик. Чумчуқни қийратиш, хўроз, ит уриштириш ҳам овчиликка кираркан-да? Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Нобуд, яқсон қилмоқ. [Лойиҳачилар] Бахмалнинг бирдан-бир гуллаб турган боғини қийратгилари келмади. И. Раҳим, Тақдир. [Янги раис] ишини тиклашдан эмас, йиқитишдан бошляпти. Дарахларни қийратиб юборди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Шилмоқ, шип-шийдам қилмоқ, йўқ қилмоқ.— Бу уруш ўлгур ҳамма ёқни қийратяпти. — деди Рисолат она Низомжонга. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚИЙТИМ** айн. қийиқ 1 1. Лутфиҳон.. нимчасининг кассасидан бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожбойга узатди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ҚИЙТИҚ** 1 Қийқим, қийинди, қийтим. Латта, кимхоб тўн бичдим, қийтиғи менга тегмади. М. Алавия.

2 Пайкал, тахта, пол четнда қолган бўлтак, туморча (ер ҳақида).

3 Кўйма с. т. Чала ёки қинғир иш, камчилик, нуқсон. Бу ишнинг қийтиғи кўп. — Тўғри сўздан нуқсон, қийтиқ топшини касб қилиб олган бу Содиқов ҳеч бир тап тортмай, жамоатчилик юзига оёқ тираб келяпти. А. Шайхон, Оилабузарлар.

**ҚИЙТИҚ-СИЙТИҚ** Бўлтак-сўлтак, парча-пурча, қийтиқ.

**ҚИЙ-ЧУВ** 1 Тартибсиз-қаттиқ овозлар, бақирик-чақириклар; чуввос. Қий-чув, чағир-чуғир қулоқни қар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади. Ойбек, Қутлуғ қон. Онахон қий-чув қилиб сув сачратиб дўнаётган болаларга яна қаради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қарсақ устига қарсақ бўлди, қий-чув кўтарилди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

2 Тартибсиз йиғи-сиғи овозлари; чуввос. Аёлларнинг аза тутгандаги қий-чуви, бола туққандаги фиғонлари эшитилиб турадиган пастак ўйнар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИЙЧУВЛАШМОҚ** Тартибсиз қийқиришмоқ, қичқиришмоқ, шовқин-сурон кўтармоқ, чуввос солмоқ.

**ҚИЙШАЙИШМОҚ** қийшаймоқ 1, 4, 5 фл. бирг. н.

**ҚИЙШАЙМОҚ** 1 Бирор томонга энкаймоқ, оғмоқ. Девор қийшайиб қолибди. — Жангилардан бири йўл бўйида қийшайиб ётган сим ёғочга тахта қоқиб, кўмир билан ёзиб қўйди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Сўлғин, сариг ўт билан қопланган далада қоп-қора иккита танкни кўрди — бири қийшайган, иккинчиси эса тумшуғини ерга қадаган. Ойбек, Куёш қораймас. Бурхўжа амаки бир оз чап ёнига қийшайиб юриди. Мирмуҳсин, Чинқиш. Ноғорачилар ва чирмандалар терлаб-пишиб.. гоҳ қийшайиб, гоҳ кескин силкиниб чаладилар. Ойбек, Қутлуғ қон. | Гавдасини, бошини бирор томонга бурмоқ, ўғирмоқ. Сафар бўзчи остона ёнида маҳдумга қийшайиб қаради. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қўзибой элбуртдан тизгинини тўтиб, қарвонларча арава қиррасига қийшайиб ўтириб олди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Эгриланмоқ, эгилмоқ, эгри-бугри бўлмоқ; тоб ташламоқ. Тахта қийшайиб қолибди.

3 Асабийликдан табиий ҳолатини, шаклини ўзгартирмоқ, бурушмоқ. Аламдан кўзлари хунук қийшайган душман офицери оқопнинг бир бурчагидан сапчиб чиқиб қулоқ отди. Ойбек, Куёш қораймас. Саидий иш столи ёнига келиб ўлтирганида юзининг томири тортишиб, башараси қийшайди. А. Қаҳҳор, Сароб. Эллиқбошининг лаблари алақандай ёмон қийшайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Кўйма с. т. Бирор томонга йўл олмоқ, йўналмоқ, бурилмоқ, оғмоқ. Сизнинг Ёқубжонингиз ҳам, эвено бошлиғи бу ёқда қолиб аэрономга қараб қийшайиб кетди-ку. Б. Раҳмонов, Ҳасад ва муҳаббат. Шундай пайтда бир-биримизга тиреов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади. С. Маҳкамов, Катта рудда.

5 Араз қилмоқ, тиртаймоқ. Шу аҳволда пахта ундириб бўладими? Бугун биттаси қийшайса, эртага иккинчи-

си ноз қилса. Ойдин, Юрагида ўти бор.  
**ҚИЙШАЙТИРМОҚ қийшаймоқ** 1—4 фл. орт. н. Саидий «Нима дейман» дегандай қилиб бошини қийшайтирди. А. Қаххор, Сароб. Бўронбек билан кўзи-кўзига тушганда, бурнини қийшайтирди. Х. Ғуллом, Машъал.

**ҚИЙШАЙТМОҚ қийшаймоқ** фл. орт. н.

**ҚИЙШАНГЛАМОҚ** 1 салб. Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қилмоқ, қийпангламоқ, жилпангламоқ. Сорaxon.. Саидийга қараб.. бир қийшангаш билан қўл узатди. А. Қаххор, Сароб.

2 Безангламоқ, чўчиб кетмоқ. Терим машинаси деса, қийшанглайдиган бўлиб қолибсан, бу қилиқ қаёқдан чиқди? С. Аҳмад, Ходивой.

3 кам қўлл. Сал қийшайиб юрмоқ, оқсоқланмоқ.

**ҚИЙШАНГЛАШМОҚ қийшангламоқ** фл. бирг. н. Уни [Сабохонни] осма сумка ушлаган, қора қош йиғит билан идора ёнида қийшанглашиб турганини кўрганлар бор эмиш. А. Муҳиддин, Қўнғиллар. Ҳаммаларинг қийшанглашиб бировнинг эрига ёпишиб олсаларинг, мен энди нима қиламан? Ғайратий, Довдираш.

**ҚИЙШАНҒИ** салб. Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қиладиган; танноз, серқилиқ. Қийшанғи аёл.

**ҚИЙШИҚ** 1 Тўғри, адил, тик эмас, бирор томонга оққан, қийшайган, эгилган, эгри. Қийшиқ девор. Қийшиқ чилор. Қийшиқ тахта. Қийшиқ сим. || Деворни қийшиқ урмоқ. Дўппини қийшиқ қиймоқ. Пиёлани қийшиқ ушламоқ. — Ҳу анови қийшиқ ўсган юлғунни кўряпсизми? — шивирлади у. Ушандан сал қийшиқ уйлар орасида режа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди. А. Қаххор, Қартина.

2 Бурушган, қинғир. Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама. Мақол. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин. Мақол. | Ғилай. Серсоқол, тўла юзли, бир кўзи қийшиқ киши мулоим товуш билан унга: «аҳа, болдай ширинми, лабингни яла-йасан, қизгинам?» Ойбек, Қуёш қораймас.

3 кўйма Ҳақиқатга тўғри келмайдиган; нотўғри, хато. Мурзин Элмуроднинг адолатли оғоҳантиришидан қийшиқ хулоса чиқара бошлади. Шўхрат, Шинелли йиллар.

**ҚИЙҚ** тақл. с. Товуқ-хўрозларнинг қийқирқ овози ҳақида.

**ҚИЙҚА** диал. Қийқим.

**ҚИЙҚАНГЛАМОҚ** диал. Қийшангламоқ, қийпангламоқ.

**ҚИЙҚИЛЛАМОҚ** «Қийқ-қийқ» товуш чнқармоқ, қийқирмоқ. Хўроз қийқиллаб қочди.

**ҚИЙҚИЛЛАТМОҚ** қийқилламоқ

фл. орт. н. Бўтабой мени сўқди, «товуқдай қийқиллатиб бўлса ҳам, колхозга олиб кираман»,— деди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ҚИЙҚИМ** 1 Қийиб ишланган нарсалар чиқиндиси, қийинди. Қоғоз қийқимлари.

2 Газмолнинг бичиқдан ёки савдодан ортган бўлаги; лахтақ.

3 Бир парча, қийтиқ жой. Қийқим ер.

**ҚИЙҚИМ-СИЙҚИМ** Ҳар хил қийқинди (парча-пурча газмол, қоғоз ва ш. к.).

**ҚИЙҚИНДИ** айн. қийқим 1, 2. Газмол қийқиндилари. — Менинг уйимда ҳар хил қийқиндилар бор, ўшани олиб келаман-да, костюмчалар тикамиз. Н. Назаров, Замон.

**ҚИЙҚИРАТМОҚ қийқирмоқ** фл. орт. н.

**ҚИЙҚИРИШ** 1 қийқирмоқ фл. иш оти.

2 айн. қийқирқ. Ғазабланган кучуқларнинг воюллаши, томошабинларнинг қийқиритиши кўкни қоплайди. Ойбек, Қутлўғ қон.

**ҚИЙҚИРИШМОҚ қийқирмоқ** фл. бирг. н. Болалар қийқиритиб, қувлашиб ўйнардилар. — Ғулломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқиритиб, югуришиб ташшар эмиш. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИЙҚИРИҚ** 1 Кўпчиликнинг қаттиқ бетартиб овози; хайқирқ, қичқирқ. Шодлик қийқирқлари. Тўйчиларнинг қийқирқлари. — Залда олқишлар бўрони кўтарилди, «Яшасин Юсуфжон қизиқ!», «Яшасин ўзбек санъати!» деган қийқирқлар эшитилди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Товуқ-хўрозларнинг қаттиқ қичқирғи.

**ҚИЙҚИРМОҚ** 1 Томоқдан қаттиқ бетартиб овоз чиқармоқ, қичқирмоқ (кўпчилик, оломон ҳақида). Халқ кулади, олқишлайди, қийқиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | Умуман баланд овоз чиқармоқ; хайқирмоқ. Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай ўрнидан туриб ўйинга тушди. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

2 айн. қийқилламоқ.

**ҚИЙҚИРОҚ** Бўлар-бўлмасга қийқираверадиган, хайқираверадиган; бақирқ, Қийқироқ одам.

**ҚИЙҚИРТИРМОҚ қийқирмоқ** фл. орт. н. Хўрозни қийқиртириб сўймоқ.

— Қимдир йўлакда кўринган қизлар ва жувонларни қийқиртириб қувади. А. Қаххор, Сароб.

**ҚИЙҒИР** Тумшўғи калта ва қайрилган, асосан бедана овига солинадиган соҳибчангал йиртқич қуш; қирғий.

◆ **Қийғир** бурун пастга томон қайрилган бурун. Салтанатнинг йиғити келишган, қийғир бурни чеҳрасига аллақандай жасорат бағишлаган. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. **Қий-**

**ғир қараш қилмоқ** ўқрайиб қарамоқ. Йўлда кетатуриб Болта акамиз биқ қийғир қараш қилиб қўйдилар. Н. Сафаров, Хаёт мактаби.

**ҚИЙҒОС** 1 рви Ҳаммаси барава-рига, ёппасига, шифа. Чигит қийғос ундириб олинди. Ғўза қийғос ионалади. — Нариги қирғоқдаги мезазорларда ўрик, олча, олма, шафтолилар қийғос гуллаб ётибди. Х. Ғуллом, Машъал.

2 рви Айни, авжи. Мана, қийғос пишиқчилик, лекни ошхоналарда сазавотдан томлар тайёрланмайди. А. Тўлаганхўжаев, Бекобод хангомалари.

3 рви, диал. Жиддий равишда, қаттиқ. Ха, айтаандай, бир кунни Ҳайдар ҳожи билан қийғос уришди. А. Қаххор, Сароб.

4 от Шовқин-сурон, чуввос. Уйда ҳеч вақт кўрилмаган, ваҳимали бир қийғос кўтарилди. Ойбек, Қутлўғ қон. Кўчадан, қийғос ва ғовур-ғувур товуш эшитилиб эр-хотиннинг суҳбатини тўхтатди. Айний, Қуллар.

**ҚИЙҒОЧ** 1 Қисқ ёки сузук (кўз хақида). Бели бурма камзулининг ичида баланд кўкчи бетоқат тўлқинланиб, қийғоч кўзларида олов ёнарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Қийғоч қарамоқ** (ёки **боқмоқ**) айн. **қия қарамоқ** (ёки **боқмоқ**) қ. **қия** 5. Муздек сойга тўйи уриб Узоқ учар қалдирғоч. Гоҳ қилиб баланд парвоз. Пастга боқади қийғоч. Ғайратий. Кўзини қийғоч қилмоқ кўзини қисиб ёки сузиб қарамоқ.. — Вой, менга қара,— деди Шодимат, кўзларини қийғоч қилиб, қошини чимириб. А. Муҳиддин, Ошналар.

2 Нафис қия тушган (қош хақида). [Фотограф] объективни .. хушрўй, қийғоч қош қизга қаратди. С. Шамсиев, Шифокор.

3 Қиялатиб кесилган, очилган ва энсиз. Алим бува юқоридаги қийғоч тешикчалардан қаради. Ҳамма ёқ бемалол кўринарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || [Ҳасанали] даричани нариги уйдан қараганда киши кўринмаслик қилиб қийғоч очди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Қия, қиялама. [Онахон] икки қўлини пальтосининг қийғоч чўнтағига солиб, уч қадам нарироқда, ерга тикилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. || Қоп-қора чайир юздан, иягидан қийғоч кетган пичоқ изидан, айёр қўл ордан ёш боши билан кўпни кўрганлиги билиниб турарди. А. Мухтор, Ўғилниш.

**ҚИЛ** 1 От ва баъзи бошқа ҳайвонлар думи ёки ёлининг ҳар бир толаси. | Умуман жун, соч, мўй ва ш. к.нинг толаси. От думининг қили. Арғамчиға қил қувади. Мақол. || Қил элак. Қил тузоқ. — Очилнинг от қилидай қайсар қўнғиртоқ сочлари дўппи четидан қайрилиб чиқиб турар.. эди. П. Қодиров, Уч илдиэ. **Қил қаламан** 1) айн. мўй қалам қ. мўй; 2) хушхат

дам, хаттот. *Муҳаммад Юсуфжон қил қалам баъзи зарур мактублар, қасидалар, лаъзалар, қимматли қўл ёзма-ларнинг қалам ҳаққисини Муқимийнинг ўзига бериб, уни бу ишга қизиқтирмақчи бўлди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 с. т. эск. Музыка асбобларининг гебранганда овоз чиқарадиган ипи; гор. [Гуландомнинг] бармоқлари дутор қилларида моҳир ўйнади. Ойбек, Қутлуг қон. Қаршимлайман яна бошлар нар суҳбат, Яна чертилади юрак қиллари. Ғ. Шоди.

◆ **Қил кўприк** с. т. айн. пули сирот қ. сирот. *Хўш, тақсир, ана энди, боринки, оқ қўчқорам миниб эсон-омон қил кўприкдан ҳам ўтиб олдик.* *Хўш, ундан у ёғи жаннатми? П. Турсун, Ҳитутвчи.* **Ораларидан қил** (ҳам) **ўтмайди** ўта сирдош, жуда яқин дўст. *Қайси кунги йиғилишдан кейин ораларидан қил туеул фил ҳам ўтадиган бўлиб қолди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. **Қил(нинг) устида** жиддий хавф остида; жар, ҳалокат ёқасида. *Ушаконинг ич-ичига тушиб кетган кўзлари юмилган, кўйқарган лаблари бир-бирига маҳкам ёпишган, хуллас, ҳаёти қил устида эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Қилдан қийқ ахтармоқ қ. қийқ** 1 5. **Қилни қирқ ёради** 1) синчковлик билан текширади; йўлини, тадбирини, сабаби ва ш. к.ни топади. *Бу ишга бутун шаҳар ҳайрон.* *Қилни қирққа ёрадиган донолар ҳам бир нарса тўқий олмайдилар.* А. Қодирий, Ҳитутган кунлар; 2) турлича ёки ўзи хоҳлаганича талқин қила олади (шарнатни).

**ҚИЛВИР** Алдам-қалдам, қалб, нопок иш қиладиган; алдамчи, фирибгар, қаллоб. *Бойнинг қилвир тарозибони ҳам минг хил найранглар билан ҳар бир қанор пахтадан бир неча қадоғини уриб қолар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Боймат:] *Биласизми, ўша эски, қирпи, қилвир* *Боймат* *бунинг ҳам чорасини алмақанон топиб қўйган.* К. Яшин, Ҳитутган босқинчиларга.

**ҚИЛВИРЛИК** 1 қилвир с. белги оти. *Унинг қилвирлиги ҳаммага маълум.*

2 Алдам-қалдам, қалб иш, хатти-ҳаракат; қаллоблик. *Агар улар [Тешабойлар] бу сирларини ўлиб-тирилиб яшираётган бўлсалар, балки бунда бир қилвирлик бордир?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИЛДАЙ** 1 Қилга ўхшаш, қилга тенг келадиган.

2 *Кўчма* Озгина, кичкина, заррача, қилча. *Бунч қаранг: қилдай жони қолбиди-ю, бу бечоранинг!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИЛДИРИШМОҚ** қилдирмоқ *фл.* бир. н.

**ҚИЛДИРМОҚ** қилмоқ *фл.* орт. н. *Иш қилдирмоқ. Ош қилдирмоқ.* — *Гулнор бу ера келса, Нури ҳар гал бирон юмуш қилдирар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бўлмаса ҳокимга арз қилиб, ҳаммангни сибир қилдираман.* М. Исмо-

илий, Фарғона т. о. *Оролни Рисолат яхшироқ билар экан, ҳаммани олиб юриб томоша қилдирди.* А. Қахҳор, Хотинлар.

**ҚИЛИНМОҚ** қилмоқ *фл.* мажҳ. н. *Русчадан таржима қилинган китоб. Бу соҳада кўп иш қилинди.* *Ғўзалар алоҳида парварши қилинмоқда.* — *Қилғилик қилинган, гуноҳ содир бўлган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИЛИЧ** 1 Бир тигил, ханжардан узун қурол. *Ўтқир қилич. Учи қайрилган қилич. Жазоир қиличи. Қилич яланғочламоқ. Қилични қиндан суғурмоқ. Қилич соямоқ. Қилич билан урмоқ.* — *Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар.* А. Қодирий, Ҳитутган кунлар. **Қилич ўйнатмоқ** (ёки **кўтармоқ**) қилич билан таҳдид қилмоқ. *От устида қилич ўйнатган Тўхтасин ўз йишлари билан босиб киради.* Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. **Қиличдан ўтказмоқ** (ёки **кечирмоқ**) қилич билан чопиб ўлдирмоқ, қирмоқ. *Паризодни, хонни ҳам, Икки намард жонни ҳам Қиличдан ўтказмоққа.* *Ҳозир эди шул замон.* Ҳ. Олимжон. *Ушбу фармонимизни олган он дарҳол, ўн беш ёндан то етмиш ёшгача бўлган қилчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар.* А. Қодирий, Ҳитутган кунлар. **Қиличдан қон томадиган айн.** қамчисидан қон томадиган қ. қамчи. *Бу ерда Шўрога қарши исён чиқариш у ёқда турсин, қиличидан қон томадиган беш-ўнта маслакдош ҳам топилмади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 **Қилич** (эрқақлар исми).

**ҚИЛИЧБОЗ** Қилич ишлатишни, қилич билан жанг қилишни яхши билладиган киши. [Навоий:] *Бу қайси Турдубой? Халиги донги кетган жангчими? [Жалолиддин:]* *Ҳа, бутун насли жанг майдонига ўтган дондор қиличбоз.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ҚИЛИЧБОЗЛИК** 1 қиличбоз с. маъв. от. *Қиличбозликни ўрганмоқ. Қиличбозлик машқи. Қиличбозлик санъати.*

2 Қилич ишлатиб қилинадиган жанг. *Ён томондан бостириб келган бир тўда мўғул аскар* *Темур* *Маликка уларнинг саркардаси билан қиличбозлик қилишга ҳалал берди.* М. Осим, Темур Малик.

**ҚИЛИЧБОҒ** Қилични осиб юриш учун мосланган тасма; қилич боғичи.

**ҚИЛИЧДАЙ**, «дек 1 Қиличга ўхшаган, қилич сингари ярқироқ, ўтқир, кескир. *У [Элмурод] бейхитёр осмонга қаради ва денгиздай қорайган осмонда, қиличдай ўйнаган прожектор ёғдусини кўриб, кўнгли яйраб кетди.* П. Турсун, Ҳитутвчи.

2 *Кўчма* Қалди-қомати келишган; тик, тетик. *Иккала қизимни чиқарганман, бунга [Ҳожарга] қиличдай бир йиғит топиб, ичкўёв қиламан.* А. Қахҳор, Тобутдан товуш. *Бир ойнинг ичиде Алижон илгариги ортиқча гўштиларини йўқотиб, қиличдек бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ҚИЛИШМОҚ** қилмоқ *фл.* бир. н. *Болалар музейни томоша қилишиди. Пионерлар йиғим-теримда катта ёрдам қилишиди. Азаматлар кўп иш қилишипти.* — *Каттаконлар маслаҳат қилишяётган эмиш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жуда соз. Кўп одамлар шундай қилишади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚИЛИШ-ҚИЛМИШ** кам қўлл. айн. қилмиш.

**ҚИЛИЧ** 1 Кишининг юриш-туришидаги, бошқалар билан муомаласидаги ўзига хос харакатлари, хулқ-атвори. *Қилиги иссиқ одам. Қилиги совуқ йиғит.* — *Унинг қилиқлари ўзига жуда мос тушар, ҳатто қўли қаттиқлиги ҳам фазилатдек туюларди.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. *Қиз қилиги билан иссиқ. Сабр қил, гўшанга-чимилдик олдинда.* Ойбек, О. в. шабадалар. — *Кечираси!* — *деди ўз қилигига уялиб, шогўмдай қизариб кетган Мастонов.* Ғайратий, Йўқлов.

2 Ғайратийнинг ёки ноҳўя иш, ҳаракат, одат ва ш. к. *Келишмаган қилиқлар.* | *Ноз-ишва; тангиқлик. Зибихон шунақаям қилиқлар қилдики, Турсунбой ангайиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Умуман кишининг одати, расми. — *Хали ҳам эски қилигини кўрмайди.* *Уйга қақариб олдиға дастурхон ёзмазунча, сув бермайди, — деди [Давлатёр].* П. Турсун, Ҳитутвчи. *Келди қонли қиличин Кўтариб Туглиқ.* *Бу ҳам чиқарди яна Кўп найранг, қилиқ.* Ғайратий.

4 с. т. *Иш, ҳаракат, фаолият. Ҳитутвчи унсур бўлмасанг ҳам қилигинг ёт унсуринг қилиғи.* А. Қахҳор, Кўшчинор. *Болалар тоғ қоялари ва тошлардаги дарзлар ҳам мана шу йўсунда ҳосил бўлганини кўз олдларига келтириб эканлар; сув билан совуқнинг бу қилиқларига ҳайрон қолишиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚИЛЛИ** 1 Қили бўлган, қили бор.

2 айн. торли. *Қилли музыка асбоби.* — *Қилли асбоблар квартиети ижросида байрам увертюраси очиқ деразадан чиқиб эрталабки сокин бульварларни янгатди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚИЛМИШ** 1 Қилинган иш, ҳаракат, фаолият. *Ҳар ким ўз қилмишига қараб топади.* Мақол. — *Терговчи ўз қилмиши билан фахрлангандай, ҳаммага бир-бир қаради.* А. Қахҳор, Сароб. *Уларнинг [миллатчиларнинг] ҳамма қилмишлари бизнинг ишимизни, партияимизнинг сиёсатини бузишга қаратилган.* П. Турсун, Ҳитутвчи.

2 *Ножўя* иш, ҳаракат, қилғилик. *Ўз қилмишига иқрор бўлмоқ.* — *Тоғамнинг қилмишидан номусларга ўлади киши.* А. Қахҳор, Янги ер. *Адолатли ҳукм чиқариши, гуноҳкорларни қилмишига яраша тўғри жазолади.* осон иш эмас. Ҳ. Мирзажонов, Халқ маслаҳатчилари. **Қилмиш** — қидирмиш хар ким ўз қилмишига яраша жазоланади,



ёмонлик қилган ёмонлик кўради маъносидаги мақол.

**ҚИЛМОҚ** 1 Бажо келтирмоқ, ба- жармоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ. *Иш қилмоқ. Қиламиз десак иш кўп. Айтганингизнинг ҳаммасини қилдим. Билганинени қил. Қуш уясида кўрганини қилади.* Мақол. | Ташкил қилмоқ, уюш- тирмоқ, ўтказмоқ. *Мажлис қилмоқ. Митинг қилмоқ. Базм қилмоқ. Тўй қилмоқ.*

2 Тайёрламоқ, ясамоқ, қурмоқ. *Эшик қилмоқ. Девор қилмоқ. Ром қиладиган уста. Уй қилмоқ* 1) уй, бино қурмоқ; 2) кўча оила қурмоқ. [Сурмахон:] *Аж- рашганимизга мана бир йил тўлди. Уй қилсамикан, деб ўйлаб ҳам қўя- ман.* Б. Раҳмонов, Сурмахон. **Жой қил- моқ** 1) жой солмоқ, тўшамоқ. *Боринг, ҳов сой бўйига муздек жой қилинг.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.; 2) айн. **уй қилмоқ** 1. | Тайёрламоқ, хозир- ламоқ. *Утин қилмоқ.* | Пиширмоқ, тайёрламоқ. *Нон қилмоқ. Ош қилмоқ. Шўрва қилмоқ.* — *Лағмон қилай- ми?* — *деб Ойбодқо Зайнабга қаради.* — *Томоққа иштаҳам йўқ, ўзингиз биле- нингизча қила беринг.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Марасул:] *Хозир мени қимирлатма. Самоварда ош қилган эдик, кўпроқ еб қўйибман.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. **Овқат қилмоқ қ. овқат** 1. | Такрор қилмоқ, тайёрламоқ, пишит- моқ. [Канзак:] *Кўйинг, хола, алақсит- манг, дарсларини қилсинлар.* А. Қах- хор, Қўшчинор.

3 Орттирмоқ, сотиб олмоқ, қўлга киритмоқ. *Ойликдан уст-бош қилмоқ. Мол қилмоқ.* — *Меҳнат қилиб колхоз- да, Сиеир қилдим, қўй қилдим.* «Қў- шиклар».

4 Бирор ҳолатга келтирмоқ; бир ҳолатдан бошқа ҳолатга айлантирмоқ. *Бахтли қилмоқ. Бахтсиз қилмоқ. Болаларни катта қилмоқ. Чўллارни гулистон қилмоқ. Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин.* Мақол. — *Урмонжон ҳам ўрни- дан турди. Водокачкани тегирмон қилсамикан, деб турибмиз.* А. Қах- хор, Қўшчинор.

5 Белгиламоқ, тайинламоқ, кўтармоқ (мас., ишга, лавозимга ва ш. к.). *Ва- кил қилмоқ. Директор қилмоқ.* — *Қан- дай вазифа беришни ўзларингга ҳа- вола қиламиз, лекин ҳосилот кенгаши- га раис қилсаларинг, қуймайсизлар.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Бой Қилти- риқ махсумни.** — *Онахонга айғоқчи қи- либ қўйди.* А. Мухтор, Опа-сангиллар. | Сайлаб, танлаб ёки белгилаб олмоқ, қабул қилмоқ (мас., эр, хотин, дўст ва ш. к. сифатида). *Эр қилмоқ. Хотин қилмоқ. Уртоқ қилмоқ.* — *Биз Хомид- бойни ўзимизга қувё ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз.* А. Қоди- рӣ, Ўтган кунлар.

6 От билан бириктиб шу отнинг маъ- носидан англашиладиган иш-ҳаракат- ни ифодалайдиган қўшма феъл ясади. *Андиша қилмоқ. Баён қилмоқ. Вафо*

*қилмоқ. Гумон қилмоқ. Доклад қилмоқ. Ердан қилмоқ. Жиноят қилмоқ. Зарда қилмоқ. Киноя қилмоқ. Жой қилмоқ.* | Қасб-хунар отлари билан бириктиб, шу қасб ёки хунар билан шуғулланишни билдиради. *Ўқитувчилик қилмоқ. Деҳ- қончилик қилмоқ. Раислик қилмоқ. Қизиқчилик қилмоқ.* — *Сидиқжон ҳали бузилмаган тўққанинг нариги томони- да аравакашлик қилар эди.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Ўғриллик қилгани учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир.* А. Қоди- рӣ, Ўтган кунлар. | Белги отлари билан бириктиб, улардан англашилади- ган муносабатни ифодалайди. *Яхши- лик қилмоқ. Зўрлик қилмоқ. Шилқим- лик қилмоқ. Дўстлик қилмоқ. Душ- манлик қилмоқ.* — *Яна бир марта опа- лик қилсангиз деб, маслаҳатга келган эдим.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Отабек менга ўғиллик қилмасми?* А. Қоди- рӣ, Ўтган кунлар.

7 Сифат, равиш ёки сонлар билан би- риктиб, улардан англашилган ҳолат ёки миқдорга келтириш маъносини ифо- далайди. *Лабини қизил қилмоқ. Қора қилмоқ. Яени қилмоқ. Овқатни лаз- затли қилмоқ. Баланд қилмоқ. Хафа қилмоқ. Планин юз қилмоқ.* — *Бўта- бойга «колхоз мустақкам бўладиган деган гапнинг ўзи кифоа қилди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

8 Ундов, тақлидий ва тасвирий сўз- лар билан бириктиб, улардан англа- шилган овоз чиқаришни ёки ҳаракат қилишни ифодалайди. *Оҳ-воҳ қилмоқ. Тақир-туқур қилмоқ. Лип-лип қил- моқ. Ялт-юлт қилмоқ.* — *Йўғон киши, худди фозга ўхшаб, «ғат-ғат-ғат» қилиб кўлди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ Гапни икки қилмоқ гапини, сўзи- ни, илтимосини қайтармоқ. **Нима қилди?** қандай ҳодиса юз берди?, ни- ма бўлди?

**ҚИЛПАНГЛАМОҚ** 1 айн. қийшанг- ламоқ 1, 2. [Мунаввар] *бир вақтлар Йўлдош олиб келган шохи-атласларни қийиб, тилла блдоқ, ёқут кўзи узук- ларни тақиб, ўзини кўзуга солиб хўп қилпангалаган.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 айн. қилпилламоқ 2. Олахўжа махсум камбағалдан кўтарилган бир киши олдида «қариндошим» деб қил- панелаша мажбур эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИЛПАНҒИ** айн. қийшанғи.

**ҚИЛПИЛЛАМОҚ** 1 Ноз-ишвали ёки ажиб ҳаракатлар қилмоқ, ликилламоқ, қийпангаламоқ. [Қори:] *унинг ўрнида сиз бўлсангиз-у кўз олдингизда боши очиқ бир жувон қилпиллаб юрса.. Э, сод- да экансиз, ука!* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 кўчма Лаганбардорлик қилмоқ, атрофида парвона бўлмоқ.

**ҚИЛПИЛЛАМОҚ** қилпилламоқ 1 фл. орт. н.

**ҚИЛТ:** қилт этмоқ 1) билинар-би- линмас қимирламоқ, қўзғалмоқ, қи- риб этмоқ. *Хаво дим.. япроқлар қилт этмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Сахро йўли, сахро табиати, сахро жазираси бошланди. На дов-*

-дарахт, на сув, на қилт этган шабадс. Х. Назир, Газқайнар достони; 2) эши- тилар-эшитилмас, кучсиз овоз чиқар- моқ, секин шитирламоқ, тиқирламоқ. *Ичкаридан қилт этган товуш эшитил- мас, фақат эшик дарзидан узун йўлак- нинг ярмигача қинғир чироқ ёруғи тушиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Ўул.

**ҚИЛТАБ** диал. Ёйлай.

**ҚИЛТАНОҚ** 1 Балиқнинг игнаси- мон ингичка, узун суяги.

2 Арпа, шоли ва ш. к. экинлар дон қобиғи учигади игнасимон узун қилча; қилтириқ, қилтиқ.

3 кўчма Ориқ, ингичка одам ҳақида. || **Қилтанок** бола. — *Қизимнинг ишқи, киши қуриб кетгандек, шу қилтанокқа тушгани мени ич-чимдан еб қўйла- ти.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

**ҚИЛТИЛЛАМОҚ** 1 Аранг қимирла- моқ, жонсиз тебраниб турмоқ. *У фоз бўйнидай ингичка бўйнида қилтиллаб турган бошини дадил ва бақувват ту- тишга тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳожия хола қилтиллаб келиб Муҳаббатни бағрига босди.* В. Ғофур- ров, Вафодор.

2 кўчма Аранг жон сақлаб тур- моқ. *Шу тобда қил кўприкнинг усти- да қилтиллаб турибмиз!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

3 Қимирламоқ, қалтирамоқ. *Эл- гелди турган жойида қилтиллаб кет- ди, худди йўридай ён-берига аланглаб олди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қис- саси.

**ҚИЛТИЛЛАТМОҚ** қилтилламоқ 1 фл. орт. н. [Эшон] *деворга суяниб ўтир- ганича томоғини қилтиллапти,* ни- мадир демоққа тайёрланган эди, таш- қарида кимнингдир йўталгани эши- тилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИЛТИЛЛАШМОҚ** қилтилламоқ 1 фл. бирг. н.

**ҚИЛТИРИҚ** 1 от, диал. Қилтанок. *Унинг кўзлари .. буғдой бошоғининг қилтириғи каби узун киприклари ора- сидан ўзига тиқилган чиройли қора кўзлар билан тўқнашди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 сфт. Жуда ориқ. *Қилтириқ бо- ла.* — *Ашир мастликдан юмила ёзган кўзини йлтиратиб ҳинғир-ҳинғир кула бошлади.* У қулган сари қилтириқ- дай бўйнига калласи оғирлик қилиб дам олдиға, дам орқасига оғиб кетарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИЛТИҚ** айн. қилтанок 2. — *Нон- ларингиз ичида нега сомон кўп, Шоқир ака!* — *Сомон эмас, арпа унингиз кепаси, қилтиғи,* — *деди Қулмурод.* Ай- ний, Қуллар.

**ҚИЛТОМОҚ** с. т. 1 Яраси ёки қи- зилўнғачининг торайиб овқат ўтмай қолишдан иборат касалликларнинг умумий номи; рақнинг бир тури.

2 Шундай қасалликка дучор бўл- ган киши.

3 кўчма Кам овқат ейдиган, чим- хўр одам. *Ҳаёт .. бояғидай қилтомоқ бўлиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб*

бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИЛЧА** 1 қил с. кичр.

2 Озгина, кичкина зарра(ча), қилдай. *Унда қилча айб йўқ.* || Бу ишда қилча адашмоқ ҳам хавфли. — *Рухим пича енгил тортсин.* Қилча дармоним йўқ. Ойбек, Кутлуғ қон. *Салмбойвачча, қилча шубҳаланманг.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚИЛЧАЛИК** с. т. Қилча, озгина.

**ҚИЛҒИЛИК** Бўлиб ўтган ножўя иш, ҳаракат. *Ҳой, ўғлим! Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин нега тилингни бир қарич қиласан.* Ҳ. Назир, Бир тўп ғўза. *Қилғиликни қилганлар жавобини ҳам берсинлар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳамма қилғиликни бало-хўр мизангизнинг қўли билан тарозингизнинг посангиси қилади-ю, яна биз бетимизни юрган бўлдикми, бой?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИМИЗ** От сутидан тайёрланадиган енгил кайф берувчи ичимлик. *Дала ҳавоси, қимиз, кўкаламзор — дардимга нақ даво.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Борсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚИМИЗАК** айн. нордон. Қимизак олма.

**ҚИМИЗХҲҲ** Қимизни кўп ичадиган, қимизни яхши кўрадиган. *Қимизхўр одам.*

**ҚИМИЗХҲҲРЛИК** 1 қимизхўр с. белги оти.

2 Мириқиб, тўйиб қимиз ичиш. *Тунов кун тоққа қимизхўрликка чиқдим.* М. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Ўтовларда қимизхўрлик қилганимизда Тўхтағил қўшиқларини жон куюғим билан тинглаганман.* Ҳ. Нурий, Улуғ оқин.

**ҚИМИР:** қимир этмоқ билинар-билимас, озгина қимирламоқ, кўзгалмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Раҳим миқ этмай қармоққа кўз тиккан, қармоқ эса қимир этмасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўтап ҳар қанча жон куйдириб гапирса ҳам, кўчани қоплаган оломон қимир этмади.* Ҳ. Ғулум, Машъал. *Найманча кўчасида қимир этган жон йўқ эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҚИМИРЛАМОҚ** 1 Секин-аста ёки ғимир-ғимир ҳаракат қилмоқ, у ён-бу ён бориб-келиб, силкиниб турмоқ; тебранмоқ. *Шамол бўлмаса, дарахтининг боши қимирлайди.* Мақол. — *Қурбон ота чўкка тушган, икки қўли тиззасида, худди сурат олдираётгандай ҳеч қимирламайди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Шу вақт тахмонга осилган кирпичи ўз-ўзидан қимирлагандай бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Лиқилламоқ, Тишим қимирлайти. | Силкинмоқ, ларзага келмоқ. *Кеча ер беш марта қимирлади.* — *Қимирлаша қимирлайди-ю, лекин бари бир йиқилмайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Жойидан кўзгалмоқ, жилмоқ, силқимок, нари кетмоқ. *Шу жойдан қимирлама.* Бемор олдида қимирламай

ўтирмоқ. — *«Ғир» этган шамол йўқ, от-арава кўтарган чанг ҳавода узок вақт қимирламай туриб қолар эди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

3 Кўчма Иш ёки ҳаракат қилмоқ, чалишмоқ; юрмоқ. *Тезроқ қимирланг, кеч қолямиз.* *Қимирласан қир ошар.* Мақол. — [Қанизак:] *Мен ҳам албатта, тек ўтирмай, кучим етганча қимирлаб тураман.* *Курт тутамиз.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Раҳматлик бувам ўланларидан кейин самовар ўзимга қолди.* *Еш бўлсам ҳам чойхонада қимирлаб турибман.* Б. Раҳмонов, Мардлар қисаси. | Иш юргизмоқ; тирикчилик қилмоқ. *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир.* *Эски тақалар, темир-терсақлар билан зўрға қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қимирлаб қолди** 1) ҳаракатга келди, кўзгалди. *Ўтирганлар қимирлаб қолди.* *Мели полвон дуторини яна ерга қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма кўтарилди (нарх-наво ҳақида).

◆ **Бозор қимирлаб қолди** бозорда нарх-наво кўтарилди бошлади.

**ҚИМИРЛАТИШМОҚ** қимирлатмоқ фл. бирг. н. Пўлат билан Тўрахонов боши қимирлатишиб, кўнгилисиз саломлашадилар. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ҚИМИРЛАТМОҚ** қимирламоқ фл. орт. н. Столни жойидан қимирлатманг. Бош қимирлатиб саломлашмоқ. — *Тўнғак ёна бошлабди.* *Шу вақт тўнғак ичидан бир илон бошини чиқариб қимирлата бошлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ҚИМИРЛАШМОҚ** қимирламоқ 2,3 фл. бирг. н. *Одамлар ўтирган ерларида қимирлашиб, диққат билан Элмуродга тикилишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИМИР-ҚИМИР:** қимир-қимир қилмоқ айн. ғимир-ғимир қилмоқ қ. ғимир-ғимир.

**ҚИММАТ** [a] 1 Нисбатан катта пул турадиган, нархи баланд. *Қиммат мол.* *Қиммат буюм.* — *Қиммат бўлса ҳам, ноилжол олар эдим-а, лекин пулдан ҳемири ортмади.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Қимматга тушди** 1) мўлжалланганидан юқори нархга олинди. *Пальто менга қимматга тушди;* 2) кўчма катта сарф-харажат, меҳнат ва ш. к. эвазига амалга ошди, қўлга кирди. *Бу иш менга қимматга тушди.* — [Кўчқоров:] *ўссин-унсин,— дедим.* *Янгилик,— деди, шароит яратиб бердим.* *Лекин унинг янгилиги колхозга қимматга тушди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Бир пулга қиммат** ҳеч нарсага арзимайдиган, арзимас. *Бир пулга қиммат асар.*

2 айн. **қимматбаҳо** 1. *Олган совғам олтин узук, қиммат тош эмас.* Ғайратий. || **Қиммат** — беҳикмат бўлмас, арзон — беиллат. Мақол.

3 кўчма Пулга, ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган; баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Билим давлатдан қиммат.* Мақол. — *Гар дилингда уйлаган*

орзуга етмоқ истасанг, *Қиммат умринг қилмағил беҳудага бекор, ўқи!* *Ҳамза.* || *Унсин, ҳаммаси ортиқча нарса.* Буларнинг ҳаммасидан менга бир эски дўппи қиммат. Ойбек, Кутлуғ қон.

4 **Қиммат** (*хотин-қизлар исми*). **ҚИММАТБАҲО** [a + ф-т] 1 Катта пул турадиган, жуда қиммат, қимматли. *Қимматбаҳо совға.* *Қимматбаҳо буюм.* *Қимматбаҳо тошлар.* — *Ҳоким супада ёнбошлаб ётган ерида тўрт бармоғи қимматбаҳо олтин узуклар билан безатилган чўзинчоқ панжасини узатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Баҳоси йўқ, бебаҳо. *Шербек ёнидан блокнот, қалам олди.* *Шу пайт профессорнинг ҳар бир сўзи унинг учун тилладай қимматбаҳо.* *Йўқ, ипақдай майин ғарам-ғарам жун олиш тилсимнинг калити эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИММАТЛАНМОҚ** Нархи, баҳоси ошиб қиммат бўлмоқ. *Домлани бунчалик шоширган нарса... бинокорлик материаллари кундан-кунга қимматланармикан, деб ўйлаши эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҚИММАТЛАШМОҚ** Тобора қиммат бўлмоқ, нархи, баҳоси ошиб қиммат бўлиб бормоқ.

**ҚИММАТЛАШТИРМОҚ** қимматлашмоқ фл. орт. н.

**ҚИММАТЛИ** 1 Қиммат турадиган, қимматбаҳо. *Қимматли буюм.* — *Гўнғе остидан сандиқ-сандиқ қимматли моллар, той-той газламалар ва бошқа қимматли нарсалар чиқа бошлаган.* Айний, Куллар.

2 кўчма Баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Москвадан келётган ҳар бир сўз улар учун қимматли, қадрли эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, .. ўз онаси эмасди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулноринг бир табассуми унинг учун ҳамма нарсадан маънодор, турмушининг ҳамма завқларидан улуг ва қимматли эди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

3 кўчма Кўп фойдали, жуда керакли. *Қимматли маслаҳат.* *Қимматли фикр.* *Қимматли маълумотлар.*

**ҚИММАТСИЗ** Ҳеч нарсага арзимайдиган; қадр-қиммати йўқ, қадрсиз. *Қимматсиз мол.*

**ҚИММАТСИЗЛАНМОҚ** кам қўлл. 1 Нархи, баҳоси пасайиб арзон бўлиб қолмоқ, арзонлашмоқ.

2 кўчма Қадр-қимматини йўқотмоқ, қадрсизланмоқ.

**ҚИММАТСИРАМОҚ** Нархини, баҳосини баланд деб билмоқ, қиммат деб ҳисобламоқ. *У пальтони қимматсираб олмади.*

**ҚИММАТФУРУШ** [a + ф-т] Бошқаларга қараганда баландроқ нарх билан нарса сотувчи савдогар.

**ҚИММАТЧИЛИК** Нарх-наволар жуда ошиб кетган пайт ёки ҳолат. *Оқ подшоҳ ҳамлани қирадиганга ўхшай-*

ди. Уруши курсин! Очлик, қимматчилик. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚИМОР** [а] Пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин. [Болтаҳўжа] кўп баттол йигит эди, баччагар. Қиладиган иши бедана уриштириш-у, қимор ўйнаш эди. П. Турсун, Уқитувчи. Булар қартада ўйнайди. Бари бир қимор-да, қайтага, бу ёмонроқ. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚИМОРБОЗ** [а+ф-т] 1 Доим қимор ўйновчи, қиморга берилган одам. *Латиф гардам қилган қиморбоздай «шап» этиб кўкрагига урди.* О. Ёқубов, Ларза. *Миришлар, қоровуллар бостириб келиб, .. дўж қилиб қиморбозлардан бир неча сўмлаб чўтал умариб кетмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 кўчма с. т. Таваккалчи, гардкамчи.

**ҚИМОРБОЗЛИК** 1 қиморбоз с. белги оти.

2 Қимор ўйини. Уларнинг бирдан-бир машғулоти қиморбозлик бўлиб, қиморхоналари ҳам ўз турар жойларида. Айний, Эсдаликлар.

**ҚИМОРХОНА** [а+ф-т] Қимор ўйналадиган жой, хона.

**ҚИМРОН** [ф-т] Туя сутидан қилинган қимиз. Ҳар бир қозоқнинг ўтовиди қимизи, қимрони ёки айрони доим осиглиқ туради. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ҚИМТИЛМОҚ** 1 қимтимоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Зебихон опа, Гулнорни кўрдингизми? Зебихоннинг лаблари қимтилади. Жавоб бермади. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Учиш ёки хужумга тайёрланиб ҳаракатга келмоқ, талпинмоқ. *Қарчиғайдай қимтилиб, Итолғидай иштилиб.* «Хушкелди».

3 айн. **қимтинмоқ** 2. Ойтўти онсининг уялиб, қимтилишига қарамай, Қаримнинг олдига бошлаб келди-да, таништирди. Ойдин, Фонарь тағва.

**ҚИМТИМОҚ** 1 Лабларни бир-бири ёки тиши орасига олиб қисмоқ, йиғиштирмоқ. *Мунисхон тиниқ қизил лабларини қимтиб, кулиб юбормасликнинг эҳтиётини қилади.* А. Қаххор, Сароб. *Олахўжа лабини қимтиб, муштинини мош-гуруч соқолли иягига тираб, бир нафас хаёл сурди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ойна опа зинадан тушиб, уч одимча босди-да, настки лабини қимтиб пўхтади.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. | Лаблари билан қисмоқ, чимтимоқ. *Бурхон ота .. мўйловини лаблари билан қимтиб сукут қилар, гўё хатнинг давомини кутар эди.* О. Ёқубов, Ота издан. [Кўён] *жилгага келиб сув ичди ва кўм-кўк майсаларни қимтий бошлади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қисмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Шокир ака ўрнидан бир кўзғалиб, тиззасини қимтиб, чопонининг барини қистириб олди.* Х. Нуъмон, Фасллар. — *Отасининг оти нима эди? — дея Ойимхон Гулсумга бурилган эди, у эса киф-*

тини қимтиб: — *Сиз билмасангиз, мен қайқдан билай? — деди.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Узини қимтимоқ** истихоло қилиб, тортиниб турмоқ, қимтинмоқ, ийманмоқ. *Келанингиздан бери ўзингизни қимтиб, ёзилиброқ гапиришмай-сиз.* А. Қаххор, Сароб.

**ҚИМТИНМОҚ** 1 қимтимоқ фл. ўзл. н.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истихоло қилиб, тортиниб турмоқ, ийманмоқ, тортинмоқ. *Ҳамида қимтинибегина деди: — Тоҳир тўғри-сида маслаҳатлашмоқчи эдим.* Х. Назир, Онажонимиз. *Қаёт .. қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб яна.. қайтариб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Силкинмоқ, қимирламоқ, тебранмоқ. *Аҳмедов ўтирган жойида, бир қимтиниб олди-да, сўз бошлади.* Х. Нуъмон, Фасллар. *Боқоев .. Мирҳайдаровга тикилди, нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, қимтинди, қизарди ва бошини қуйи эди.* С. Абдуқаххор, Олдин ўзинга боқ, сўнг ноғора қоқ.

**ҚИН** 1 Пичоқ, қилич каби асбоблар солиб қўйиладиган ғилоф. *Пичоқ қини.* *Бир қинга икки қилич сиғмас.* Мақол. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. — *Диловоршоҳ қилчичини қинидан суғуриб, қизга хужум қилмоқчи бўлди.* Айний, Дохунда. | *Револьвер, пистолет ва ш. к. қуроллар ғилофи; кобура.* Ҳар бир маҳбус қинда ётган даҳшатли тўппончадан ўз пешанасига ўқ узилаётгандек, ваҳимага тушиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дадабой қалтираган қўли билан тўппончасини қинидан чиқарди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Тугунакни ўраб турувчи баргсимон қобиқ, куртак, ғилоф. *Довучча қинидан чиқибди.* — *Баҳор эди.. Уриқлар гулини тўқсан, ғўралар қинидан чиқиб, еса маза топадиган бўлиб қолган.* Ойдин, Садаған бўлай, командир.

◆ **Кўзи қинидан чиқаёзди** кўзи олайиб кетди, кўзи ола-кула бўлди. *Даҳшатли хабарни эшитган Махдумнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.* Х. Фулом, Машғал.

**ҚИНГАЙМОҚ** 1 Бирор томонга оғиб турмоқ, қийшаймоқ, энкаймоқ, оғмоқ. *Нарвон қингайиб турибди.*

2 Кўзни ғилай қилиб қарамоқ, ғилайланмоқ. *Кўзи қингайиб кетди.* **Қингайиб қарамоқ** 1) кўз қири билан қарамоқ; 2) кўчма қинғир қарамоқ, кўз олайтирмоқ.

3 кўчма Тўғри йўлдан озмоқ, чекинмоқ, оғмоқ.

**ҚИНГАЙТИРМОҚ** қингаймоқ фл. орт. н.

**ҚИНГАЙОВЧИ** 1 қингаймоқ фл. ш. оти.

2 кўчма Тўғри йўлдан четга чиқувчи, оғмачи.

тини қимтиб: — *Сиз билмасангиз, мен қайқдан билай? — деди.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Узини қимтимоқ** истихоло қилиб, тортиниб турмоқ, қимтинмоқ, ийманмоқ. *Келанингиздан бери ўзингизни қимтиб, ёзилиброқ гапиришмай-сиз.* А. Қаххор, Сароб.

**ҚИМТИНМОҚ** 1 қимтимоқ фл. ўзл. н.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истихоло қилиб, тортиниб турмоқ, ийманмоқ, тортинмоқ. *Ҳамида қимтинибегина деди: — Тоҳир тўғри-сида маслаҳатлашмоқчи эдим.* Х. Назир, Онажонимиз. *Қаёт .. қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб яна.. қайтариб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Силкинмоқ, қимирламоқ, тебранмоқ. *Аҳмедов ўтирган жойида, бир қимтиниб олди-да, сўз бошлади.* Х. Нуъмон, Фасллар. *Боқоев .. Мирҳайдаровга тикилди, нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, қимтинди, қизарди ва бошини қуйи эди.* С. Абдуқаххор, Олдин ўзинга боқ, сўнг ноғора қоқ.

**ҚИН** 1 Пичоқ, қилич каби асбоблар солиб қўйиладиган ғилоф. *Пичоқ қини.* *Бир қинга икки қилич сиғмас.* Мақол. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. — *Диловоршоҳ қилчичини қинидан суғуриб, қизга хужум қилмоқчи бўлди.* Айний, Дохунда. | *Револьвер, пистолет ва ш. к. қуроллар ғилофи; кобура.* Ҳар бир маҳбус қинда ётган даҳшатли тўппончадан ўз пешанасига ўқ узилаётгандек, ваҳимага тушиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дадабой қалтираган қўли билан тўппончасини қинидан чиқарди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Тугунакни ўраб турувчи баргсимон қобиқ, куртак, ғилоф. *Довучча қинидан чиқибди.* — *Баҳор эди.. Уриқлар гулини тўқсан, ғўралар қинидан чиқиб, еса маза топадиган бўлиб қолган.* Ойдин, Садаған бўлай, командир.

◆ **Кўзи қинидан чиқаёзди** кўзи олайиб кетди, кўзи ола-кула бўлди. *Даҳшатли хабарни эшитган Махдумнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.* Х. Фулом, Машғал.

**ҚИНГАЙМОҚ** 1 Бирор томонга оғиб турмоқ, қийшаймоқ, энкаймоқ, оғмоқ. *Нарвон қингайиб турибди.*

2 Кўзни ғилай қилиб қарамоқ, ғилайланмоқ. *Кўзи қингайиб кетди.* **Қингайиб қарамоқ** 1) кўз қири билан қарамоқ; 2) кўчма қинғир қарамоқ, кўз олайтирмоқ.

3 кўчма Тўғри йўлдан озмоқ, чекинмоқ, оғмоқ.

**ҚИНГАЙТИРМОҚ** қингаймоқ фл. орт. н.

**ҚИНГАЙОВЧИ** 1 қингаймоқ фл. ш. оти.

2 кўчма Тўғри йўлдан четга чиқувчи, оғмачи.

**ҚИНҒИР** 1 Тўғри чизик бўйлаб йўналмаган; эгри, қийшяқ. *Қинғир ёғоч.* *Қинғир девор.* | *Хатни қинғир ёзмоқ.* — *Фуқаро уйлари чўзилган қинғир кўчанинг бошида арава сиғадиган катта, бўёқли дарвозага киришди.* Ойбек, Навоий. *Олтой бўрқин қинғир қўйган Қошлари кундузларинг.* Ф. Фулом.

2 кўчма Қаллобликка, хиёнатга асосланган; қалб. *Қинғир мақсад.* *Қинғир ҳаракат.* *Қинғир юрак одам.* *Қинғир ишининг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади.* Мақол. *Дили қинғирнинг тили қинғир.* Мақол. — *Болага нисбатан .. бефарқ қараш хунук оқибатларга олиб келди.* Малик қинғир йўлга кириб кетди. Д. Эрматов, Жамоатчилик ва тарбия. **Қинғирга олмоқ айн.** **қинғирликка олмоқ қ.** **қинғирлик.** *Мусанинг гапи тугамасдан Тўлбош қинғирга олди кетди.* Н. Фозиллов, Оқим. | *Қалб иш қиладиган; қаллоб, фирибгар.* *Қинғир киши бир ёна, қинғир киши бир ёна.* Мақол. **Қинғир қўл ёки қўли қинғир айн.** *қўли эгри қ.* эгри. *Олмоқ бўйли магзиндан шоколад пича қўли қинғир сотувчига дуч келдик кеча.* Т. Ражабий, Нархи папкада.

**Қинғир қарамоқ** ёмон кўз билан қарамоқ; нотўғри муносабатда бўлмоқ, ёндашмоқ.

**ҚИНҒИРЛИК** қинғир с. белги оти. *Йўлнинг қинғирлиги.* *Қўлнинг қинғирлиги.* **Қинғирликка олмоқ** эгрликка олмоқ, нотўғри тушунмоқ ёки тушунтирмоқ, нотўғри талқин қилмоқ. *Қаримқул ака, қинғирликка олаясиз.* *Билиб қўйинг, қандайдир шахсий манфаатлар учун раиснинг оёрисини соққадай юмалатувчилар билан гаплашамиз ҳам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚИНҒИР-ҚИЙШИК** Ҳамма ери қинғир, эгри-бугри. *Қинғир-қийшиқ девор.* *Қинғир-қийшиқ йўл.* | **Қинғир-қийшиқ ёзмоқ.**

**ҚИПИК** 1 Ёғоч, темир каби нарсаларни аралашганда ёки эговлаганда ҳосил бўладиган майда заррачалар. Ёғоч қипиғи. Темир қипиғи. — *Чиптининг устидан қипиқ солса ҳам юмшоқ, ҳам иссиқ бўлади.* С. Анорбоев, Директорнинг даъвоси.

2 Шоли, буғдой, жўхори каби доғларни тозалашганда, туйганда уларнинг қобинида ҳосил бўладиган тўпон. *Мен крахмал ўрнига гуручдан чиқадиган қипиқни ишлатмоқчиман.* Ойдин, Сухбати жонон.

**ҚИПЧОҚ** қ. қипчоқлар. *Қипчоқ тиллари.*

**ҚИПЧОҚЛАР** 11—13 асрларда жанубий рус даштларида ва ҳозирги Қозоғистоннинг марказий ва ғарбий қисмларида яшаган кўчманчи туркий халқ.

**ҚИП-ЯЛАНҒОЧ** 1 Ҳеч қандай қийимсиз, мутлақо яланғоч, яп-яланғоч. *Қип-яланғоч бола.* — *Қизлардан уч-тўрттаси.. шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб шартак олишди-лар.* *Қип-яланғоч қизлар орасида кулли*

бошланди. А. Кодирый, Мехробдан чаён.

2 Ҳеч нарса ўсмаган, дов-даррахтсиз, нморатсиз. Қип-яланғоч қақирда қизларнинг ўзи қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Биронта ҳам баргсиз, барги батамом тўкилган. Қип-яланғоч даррахт.

4 кўча с. т. Ҳеч нарсаи йўқ; шип-шийдам, қашшоқ. Қип-яланғоч уй.

**ҚИП-ҚИЗИЛ** 1 Жуда қизил, чўгдай қизил. Қип-қизил қон. Қип-қизил олма. Қип-қизил елдам. — Жарнинг ҳар иккала ёнбошини қип-қизил лоллар елдамдек қоплаган. Х. Ғулом, Машъал. Эшикни икки юзи қип-қизил .. бир жувон очди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўча с. т. Бутунлай, мутлақо. Қип-қизил саводсиз. Қип-қизил туҳмат. — Дехқон қип-қизил яланғоч, аҳволи танг. Ойбек, Қултур қон. | Утакетган, бориб турган, ғирт. Қип-қизил аҳмоқ. — [Ойхоло:] Узинг ҳам қип-қизил жинни, овар экансан! Ҳамза, Паранжи сирлари. Дехқон қарамни шошиб пуллади-да, машинага чопди. Келса Фозил қип-қизил маст ўтирибди. С. Зуннунова, Одамлар орасида. | Учига чиққан, ашадди. Бу гапни юрт эшитса, сизни қип-қизил ўғри дейди. Х. Ғулом, Машъал.

**ҚИР** 1 **г**еогр. Емирилиш натижасида ажралиб қолган яси чўзиқ тепалик. Қимирлаган қир ошар. Мақол. — Рўпарада Чотқол тоғлари, ундан берида эса гўё тоққа чиқши учун атайлаб ясалгандай бирин-кетин баландлашиб кетган гумбаз-гумбаз қирлар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Баланд текислик, ер, дашт. Тоғларда турли қонлар, қирларда ғалла беҳад. Ҳабибий.

**ҚИР** II Қирра, зих. Деворнинг қири. Шишанинг қири.

◆ **Кўз қири** билан кўзнинг учи, бурчи билан, яъни юзни ўгирмай, кўз қорачиғини кўзнинг бурчига келтириб. Кўз қири-ла, севганига қарайди. М. Алавия. Қаролардан бири менга кўзнинг қири билан Рўзимат чолни кўрсатди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Кўз қирини ташламоқ** кўз учи билан қарамоқ, назар солмоқ. У [Ҳазратқул] эҳтиётлик билан кўз қирини ташлаб қўйди-ю, сўзида давом этди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҚИР** III қ. қир(р).

**ҚИРДИРМОҚ** қирмоқ 1—4 фл. орт. н. Хўжабеков ҳар вақтдагидек соқолини тоза қирдирган. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИРДИРТИРМОҚ** қирдирмоқ фл. орт. н.

**ҚИРДИРТМОҚ** қирдирмоқ фл. орт. н.

**ҚИРИЛИШМОҚ** I қирилмоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бири ёки биров билан қаттиқ уришмоқ, жанжаллашмоқ. Овсинлар роса қирилишиди.

**ҚИРИЛМОҚ** қирмоқ фл. ўзл. ва

мажх. н. Унинг қир-дала ерларида тобланган қорамғиз ва доимо қирилган тоза юзи кўз олдида лип этиб ўтди. Шухрат, Шинелли йиллар. Зиддила томоғи қирилиб қуруқ йўталди, кўкрагини столаб сосиб, ўйга толди. Х. Ғулом, Машъал. — Илаари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қириларди, экинлар нобуд бўларди [деди Бобоқул ота]. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ҚИРИНДИ** I Йўниш, рандалаш натижасида ҳосил бўладиган юпқа лента ёки қипиқ шаклидаги чиқит. Ёғоч қириндиси. — Коля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сачратиб тахтача устидан ранда юритарди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Михайлов рандалашган темирдан чиққан қиринди пайраҳага ўхшаб буралиб .. ерга тушар эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Тери, ичак ва ш. к.ни қириб тозалаш натижасида ҳосил бўладиган чиқит.

3 Муштук ёки чилим сархонасида қолган тамаки қолдиғи.

◆ **Ичидан қиринди ўтиб кетди** 1) қаттиқ ташвишланди, талвасага тушди. Ичларидан қиринди ўтиб кетган .. бойларнинг .. мақтанчилари дехқонларга қаттиқ дард қилди. К. Алиев, Қонун моддаларини тумор қилиб таққанлар; 2) қаттиқ алам қилди. Почтачининг [мўйсафидларга] шалдироқ червонларни санаб бериб кетаётганини кўрган Бўрихўжанинг ичидан қиринди ўтмай қолмади. Мирмуҳсин, Чиниқши.

**ҚИРИНМОҚ** қирмоқ 2 фл. ўзл. н. У бир пасда қириниб олди.

**ҚИРИШМОҚ** қирмоқ фл. бирг. н.

**ҚИРИШТИРМОҚ** I Обдан қириб, қиртишлаб тозаламоқ ёки тўпламоқ. [Жўраҳон] .. егини шимарди, белкуракни олиб ажриқни қириштира бошлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қани энди ўша кунларни мутлақо унутиб, хотирадан ўчириб, қириштириб ташлашининг иложи бўлса! А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 кўча с. т. Борини йиғмоқ, тўпламоқ. Қириштириб ўн сўм амалладик. — [Мулладўст:] Мендақа мўмин-мусулмон бу дунё, у дунёни қириштирса чиқмайди. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ҚИРЛИК** Қир жой, қир (қ. қир I.)

**ҚИРМА:** қирма чопиқ қ. х. ёввойи ўтларни йўқотиш мақсадида ер бетини сидириб ёки юпқа олиб чопиш усули ва шундай чопиқнинг ўзи. Ғўзалар қирма чопиқ қилинди. Қирма чопиш қирма чопиқ қилиш. Улар ғўзани охириги парварши — «қирма чопиш»ни ташкил қилиш тўғрисида фикрлашди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚИРМАЧИ** Қирма чопиқ қилувчи, чопиқчи. Ишининг ҳаммасини трактор қилапти. Фақат сувчи, баъзан қирмачиларгина кетмон билан ишлайди. И. Раҳим, Ҳилола.

**ҚИРМИЗАК** [ф-т] Қимизак, нордон. Қирмизак олма.

**ҚИРМИЗ(И)** [ф-т] Қизил рангли; қизил, ол. Қирмиз лаблар. Қирмизи байроқ. Қирмизи олма. — Оқ юзига қирмиз қонлар қуюлди, ҳар тарафга қора сочи ёйилди. «Рустам». Сурма тортиб кўзига, қирмизи кўйлакни кийиб, Ўйнатиб ханжарини қилгани қурбон келади. Ҳамза. Кун бўйи пахтазор устида кезган қўғиш қирмизи шафақлар қолдириб, ботиб кетди. Х. Едгоров, Капитанлар қўтлуғ сафарда.

**ҚИРМИСКА** [р крымский] Дони йирик, серсув қишки узум нави.

**ҚИРМОЧ** Пиширилатган овқатнинг қозон тагига ёпишиб қолган ёки қуйган қолдиғи. Ош қирмоч олибди. Ошни қирмоч олдирмоқ. — У [Муҳаббат] қозоннинг қотиб қолган қирмочларини қириб емоққа эди. Айний, Қуллар.

◆ **Қирмоч кал** сочлари қирмоч каби ярасига ёпишиб кетган кал.

**ҚИРМОҚ** I Нарсаларнинг бетини, сиртини пичоқ, капгир, курак ва ш. к.тиғли қурооллар воситасида сидирмоқ, тарашламоқ. Қозонни капгир билан қирмоқ. Тахтани пичоқ билан қириб ташламоқ. — Сигирингизнинг қаниширига темирлатки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим бўлмади, пичоқ билан қириб керосин суркаш керакмиш. А. Қаххор, Янги ер.

2 Мўй-туқларни ўткир асбоб билан тарашлаб, тагидан кесиб олмақ. Соқол(ни) қирмоқ. Соч(ни) қирмоқ. | Шу усулда тозаламоқ. Пўстдумба қирмоқ.

3 Қирғич, қошиқ ва ш. к. асбоблар билан сидириб майдаламоқ. Турп қирмоқ. — Ёшлар кабоб чайнашяпти, мен бўлса қовунни қирғичда қириб едим. И. Раҳим, Ихлос.

4 Кўплаб ёки ёппасига ўлдирмоқ, қирғин қилмоқ. Душманни қирмоқ. Зараркуналдаларни қириб ташламоқ.

5 с. т. Кўплаб, кўп миқдорда йиғмоқ, тўпламоқ, кўлга киритмоқ, ўлжа қилмоқ. Болалар олчани роса қирибди. — Гапларига қараганда у бир неча мактабда ҳисобдан дарс берар ва .. «пулни қирар эди». П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Томоғини (ёки ҳалқумини) қирмоқ** йўталиб ёки томоғни хириллатиб кескин овоз чиқармоқ. У томоғини қириб гап бошлади. — Саидғози ўтирганларнинг диққатини тортиш учун томоғ қириб йўталди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИРОАТ** [а] Оҳанг билан ўқиш, сўзлаш усули ва шундай ўқишнинг ўзи (асосан Куръон тексти ҳақида). Хўп, тақсир, ҳозирча диний дарсдан бериб турасиз, болаларга қуръондан қироат ўргатасиз, кейин яна кўрмизиз. Х. Нуъмон ва А. Шўбраҳмедов, Ота. Соҳибқорни қироат билан: «Бисмиллоҳу раҳмону раҳим ...» — деди-да, извошга оёқ қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Қироат қилмоқ** 1) урбон ёки

Қуръон сураларидан бирини ўқимоқ; тиловат қилмоқ; 2) оҳанг билан ўқимоқ ёки сўзламоқ. *Лўғли юзли, чиройли йиғит конвертни очиб, хатни чирок шўғласига тутди, ширалигина овози билан қироат қилиб ўқий бошлади.* Х. Фулом, Машъал.

**ҚИРОАТХОН** [a+ф-т] 1 дин. Қуръонни қироат билан асли талаффузига риоя қилиб ўқийдиган киши; қори. 2 кўчма Маъносини чуқур тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай ёд олиб, юзаки бўлган киши.

**ҚИРОАТХОНА** [a+ф-т] 1 тар. Қуръонни ёдлаш ва қироат билан ўқишни ўргатадиган эски мактаб; қорихона.

2 Газета, журнал ва китоблар ўқиш, мутолаа қилиш учун ажратилган хона, ўқув зали. *Қизил чизиқлар қишлоқ кўчалари бўйли, булар туташган доирада боққа қаратиб иморатлар солинар экан: мактаб, кинотеатр, клуб, .. радиоузел, коммутатор, қироатхона, кутубхона.* А. Қаххор, Ўқшчинор.

**ҚИРОАТХОНЛИК** 1 дин. Қироат билан Қуръон ўқиш, қуръонхонлик.

2 кўчма салб. Маъносини яхши тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай юзаки ёдлаш, юзаки ўрганиш.

**ҚИРОАТЧИЛИК** айн. қироатхонлик. Бунда ҳали китоб тилининг таъсири, қироатчилик кучлидир. Ҳамза.

**ҚИРОВ** I Ернинг ёки нарсаларнинг бетида ҳосил бўладиган юпка қорсимон зарралар. *Бугун кечаси қиров тушибди.* — Тўла ойнинг ёруғида ўсимликлар баргида пайдо бўлган қиров янги ёққан қор каби ярқираб кўринадди. Айний, Эсдаликлар. *Уша кунни совуқ каттиқ эди .. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Оқ қиров** кузги қиров тушадиган пайт; кеч куз. *Полизлардаги оқ қировга асралган қирқма қовунлар ҳам узилди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

♦ **Сочига** (ёки соқолига) қиров тушибди (ёки кирибди) сочи, соқоли оқара бошлабди; сочига, соқолига оқ тушибди. *Успириннинг ёнида чекка сочига қиров тушган ўттиз беш ёшлардаги қорача йиғит блокнотига ниманидир ёзаётган эди.* Х. Назир, Одамнинг қадри.

**ҚИРОВ** II Янги чархланган пичоқ, ханжар ва ш. к. асбобларнинг дамида ёки янги ясалган металл буюмнинг бетида қолган металл зарралари. Пичоқнинг қировини тўкмоқ. — *Дўкондан чиқарилган бу жуфт-жуфт қора узангилар .. катта зёвлар билан зёвланиб, қирови тўкилади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Қирови** тўкилмаган ҳали ишлатилмаган, тутилмаган; янги. *Қирови тўкилмаган пичоқ.* — *Энди у [Муқимий] дунёга бошқача назар ташлай бошлаган, чархланиб, қирови тўкилган, ўзини фикрий курашларга чоғлаб, ҳаётнинг нозик томонларига разм сола бошлаган шоир эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ҚИРОВ** III вет. Молларнинг тилида қипиқсимон бўртиқлар пайдо қиладиган касаллик.

**ҚИРОВЛИ** I Қиров босган; қирови эриб кетмаган. *Қировли том. Қировли дарахт. Қишли-қировли кунлар.*

**ҚИРОВЛИ** II Қирови тўкилмаган, ишлатилмаган, тутилмаган; янги. *Улуғ отам буқун сиздан тилайман, Шу қировли ўткир пўлат найзани.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ҚИРОЛ** [Ғарбий славянлар тилларидан] Ғарб мамлакатларида олий ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўз қўлида тутувчи шахс, ҳокими мутлақ; подшоҳ.

**ҚИРОЛИЧА** Хотин қирол; қиролнинг хотини; малика.

**ҚИРОЛЛИК** I қирол с. мавҳ. от. Қироллик қилмоқ.

2 Ҳокимият бошида қирол турадиган давлат, мамлакат.

**ҚИРОН** I I Кўплаб ўлдириш, қирғин. *Ёва қирон келди.* — *Максим ота босмачиларга пулемёт билан қирон солди.* С. Ахмад, Хукм. *Ўйи, колхоз молини қирон қилган Сувоннинг ишини муҳокама қилишимиз майда гап эканми?* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Кўплаб ўлиш, қирилиш, ўлат. *Қор қалин ёғиб, совуқ Хаддидан ошиб кетди. Дон тоғиб ёлмасдан, Қушларга қирон етди.* Уйғун.

**ҚИРОН** II [a] с. т. Давлат, мамлакат. [Мирзакаримбой:] *Қайси қирон қайси қирон билан уруғиди?* Ойбек, Қутлуғ қон. **Етти қиронда** бутун оламда. — *Шуни айтинг,— деди Вали ака,— Қорабулоқнинг суви билан ери етти қиронда ҳам йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИРОН(ГАР)ЧИЛИК** Қирғин, хунрезлик, қирғинчилик.

**ҚИРОНҚАРГА** айн. қиронқора.

**ҚИРОНҚОРА** Йиртқич қушлар туркумининг қарчигайсимонлар оиласига мансуб, бургутдан кичикроқ ўлимтихўр йиртқич қуш.

**ҚИРПИ** диал. I Сийқаланган, хирпи, хирпа. *Қирпи ошиқ.*

2 кўчма Кўпни кўрган, тажрибали. [Шодмонов:] *Душман қирпи, доғули.* **Осонликча жон бермайди.** К. Яшин, Ўлим босқинчиларга.

**ҚИРПИЧОҚ** I айн. пичоқбозлик.

2 кўчма Қаттиқ уруш, жанжал. *Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, икки ёзувчи ё икки санъаткор бир-бирига чап, бир-бири билан қирпичоқ бўйли қолишади.* Уйғун, Замон талаби. **Агроном билан тракторчи қирпичоқ бўлишиди.** Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Дўстми сенга Ғози ё душман?** **Анорхон билан орангга совуқлик солмоқчимми ёки сени Комилжон билан қирпичоқ қилмоқчимми?** И. Раҳим, Ихлос.

**ҚИР(Р)** тақл. с. Нотекис ёки ёпишқоқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушлар ҳақида. *Савағич қаламни «қирр» этиб юргизмоқ. Мумланган ипни «қирр» этиб тортмоқ.*

**ҚИРРА** 1 мат. Геометрик жисмни ўроччи икки текисликнинг кесилув чизиғи; қовурға. *Пирамиданинг қирраси.* — *Агар призманинг ён қирралари унинг асосларидан бирига перпендикуляр бўлса, бундай призма тўғри призма деб аталади.* «Чизмачилик».

2 Нарсаларнинг энсис ёки ўткир қирроғи; зих, қир. *Китобнинг қирраси. Тахтанинг қирраси. Кафтнинг қирраси. Қирра тош қирраси ўткир, қиррали тош. Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган. Баъзиларининг қирра тошлар тилган оёқларидаги оғриқ билинмай қолган эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 кўчма Нарсаларнинг мохиятини белгилловчи хусусият, томон. *Сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади.* А. Қаххор, Сароб. *Сипоҳарчиликнинг нағмаю найранги жуда кўп бўлгани каби, ҳар бир гапнинг ҳам уч юз олтиши қирраси бор .. деганлари жуда тўғри.* Айний, Дохунда.

♦ **Қирра бурун** I) ўткир қиррали бурун. *Улар қаторида норғил, қирра бурун, қорамғиз йиғит — Ҳафиз ҳам бор.* Мирмуҳсин, Пўлат эритувчилар; 2) бурун шундай киши.

**ҚИРРАБУРУН** (тўғриси қирра бурун) қ. қирра.

**ҚИРРАДОР** Қирралари кўп бўлган; қиррали. *Қиррадор тош. Қиррадор қоялар.*

**ҚИРРАЛАМОҚ** Йўниб, тарашлаб ёки чархлаб қирра ҳосил қилмоқ, қирра чиқармоқ. *Тошни қирралamoқ.*

**ҚИРРАЛИ** I Қирраси бўлган; қирраси бор. *Саккиз қиррали устун.* — *Тўрт қиррали кўмир қалам, Қордай қоғоз қўлимда.* Т. Тўла.

2 Учи бўлган, уқли. *Беш қиррали юлдузча. Кўп қиррали* 1) қирралари ёки учлари кўп; серқирра; 2) кўчма ҳар тарафлама кенг маълумотли, билимли. *Кўп қиррали ижодкор;* 3) кўчма ҳар тарафлама мазмунли, мазмундор. *Кўп қиррали ижод.*

**ҚИРРИҚ** Утакетган туллак, устомон, хирпи. *Қирриқ одам.* — *Четдан келган гўл, гўхўр, пулдор бойваччаларнинг кўпини шиллиб юрган қирриқ қиморбозлар унинг юпун кийимига разм солишгач, эътибор бермай, уйинни давом эттиришиди.* Х. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

**ҚИР(Р)-ҚИР(Р)** қир(р) с. такр.

**ҚИРС** тақл. с. Мўрт нарсаларнинг синишидан ҳосил бўладиган товушлар ҳақида. [Улмас опа] *ёнбошидаги жийда бутуқчасини қирс этиб синдириб олди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Хон соат қопқоғини қирс этиб ёпиб занжирларини чувалаштириб қўйнига солди.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ҚИРСИЛЛАМОҚ** «Қирс» этган товуш чиқармоқ. *У ҳеч маҳал секин гапиролмас, овқатни тез-тез ер, кавшаганда қулоқларининг орқаси қирсиллагани эшитилиб турарди.* М. Осим,



Элчилар. Эй, сендан нима кетди — тўшингага тортмайсанми, беллари қирсиллаб кетмайдими? Шухрат, Шинели йиллар.

**ҚИРСИЛЛАТМОҚ** қирсилламоқ *фл. орт. н.* Бармоқларни қирсиллатмоқ. — Отлар қирсиллатиб бошоқларни узиб емоқда. Айний, Қуллар.— Ха, нима қилди? — деди у оғзидаги сақичини қирсиллатиб. А. Қаххор, Сароб.

**ҚИРС-ҚИРС** қирс *с. такр.* Тун соғуғи билан қотган лой оёқ остида синиқ шиша парчаси каби, қирс-қирс ушалади. Ойбек, Қутлуғ қон. Секин-секин олдинга энаётган қўйлар соғо қуруқ шувоқларни қирс-қирс чайнайдилар. О. Хусанов, Ҳаёт ишқи.

**ҚИРТ** тақл. *с.* Нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан, қирилишидан ёки илнинишидан ҳосил бўладиган товушлар ҳақида. *Ип қирт этиб узилди.* — Турсуной тумасулни икки бармоқ орасига олиб, қирт этиб узди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҚИРТИЛЛАМОҚ** «Қирт-қирт» товуш чиқармоқ. Қамиш қаламининг қиртиллагани гаши келтиради. Пол остида нимадир қиртиллаяпти.

**ҚИРТИЛЛАТМОҚ** қиртилламоқ *фл. орт. н.* Қамиш қаламини қиртилламоқ. — Мирза чизди қиртилламоқ қаламини. Ф. Гулом. Сартарош Абрам унинг кеч куз қировидай оппоқ мўйловини йилтироқ қайчиси билан қиртилламоқ текисларкан, оғзи тинмай алланималарни гапирар .. эди. Ҳ. Гулом, Сенга интиламан.

**ҚИРТИШЛАМОҚ** 1 Қириб тозаласмоқ, яхшилаб, топ-тоза қилиб қирмоқ. Қозонни қиртишламоқ. — Уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қиртишлаб супуришни у яхши кўради. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Батамом тозаласмоқ, сира қолдирмай, таг-туғи билан йўқ қилмоқ. [Қўйлар] шувоғу янтоқни .. томиригача қиртишлаб қўяди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИРТ-ҚИРТ** қирт *с. такр.* Қирт-қирт хат ёзмоқ. — У бошини қирт-қирт қашиганча эслашга уринди. Н. Мақсудий, Дайлагулқадр. Зухра силлиқ картонни қирт-қирт қирқар .. эди. Ибохон, Улуғ йўл.

**ҚИРУВЧИ** 1 қирмоқ *фл. ш. оти.*

2 Қирғин қиладиган, қирғин келтирадиган, қирадиган одам, қуроқ. Қирувчи самолёт. — Бу ишчилар баталон қирувчилари мажақлаган душман машиналарининг бензини билан тўлдирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚИРЧАНГИ** Қўтир ва ориқ; дирдов (кўпинча от ҳақида). Қимсанга кўп уруш кўрган қирчанги бир отни эгарлаб, рўпара қилдилар. С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан.

**ҚИРЧИЛЛАМА** 1 Куч-қувватга тўлган, етилган. Қирчиллама йигит. — Ху, ана, олдинроқда ёши эликдан ошганига қарамай, ҳалиям қирчиллама йигитдай дароз бўйини тик тутиб,

Тўламант мўйлов кетяпти. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Кўча Авжига чиққан, кучайган, қаҳрига олган, қаттиқ (совуқ ёки қиш ҳақида).

**ҚИРЧИЛЛАМОҚ** 1 Куч-қувватга тўлмоқ, етлямоқ. — Сизми? — деди Қумуш.— Сиз энди қирчиллабсиз! А. Қодирий, Утган кунлар. Расий деган мамлакат жудаям олис эмиш, сарт, қозоқнинг йспиринлари, авжи қирчиллаган йигитлар .. совуқда оч-яланғоч қирлиб кетмасин яна, кул-фатга қолдик! Ойбек, Болалик.

2 Кўча Авжига чиқмоқ, зўраймоқ, қаҳрига олмоқ (совуқ ёки қиш ҳақида). Қиш тобора қирчилламоқда.

**ҚИРЧИМОҚ** *диал.* 1 Қайчи, тиш ёки тирноқ билан қирмоқ, узмоқ. У қошидаги гулнора яроғидан биттасини узиб олиб, лаблари орасида қирчи бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Чилпимоқ, чеканка қилмоқ. Гулни қирчи-қирчи. Ғўзанинг учини қирчи-қирчи.

3 Кўча Кемирмоқ, ғажимоқ, эз-моқ. Тешабой .. қайнатасининг юрагини кечадан бери қирчиб келаётган ташишни қуртини сезиб қоландек: — Мингебошиликни ёнга қолдирган ош харом бўлармиши, тақсир,— деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИРЧИН** кам қўлл. Еш ниҳол; навқирон. Эсиз, қирчин кетдинг, қиздай гул дийдор, Улимнинг ногаҳон босқиниё мон! Миртемир. Қирчинингдан қийилгур! қарғ. жувон ўлгур!, йигит ўлгур!, жувонмарг бўлгур! Қирчинингдан қийилгур! Чиноқ, ўйнашгани ўз тенгинг топилмадими? С. Ахмад, Ҳукм.

**ҚИРҚ** 1 снқ сон 40 рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган сон, миқдор. Қирқ киши. Қирқ метр газмол. Қирқ сўм пул. Қирқ тонна юк. Қирқ ёзмоқ. Қирқдан учини айирмоқ. Бир кун туз ичган жойёа, қирқ, кун салом. Мақол.] Қирққа чидаган, қирқ бирга ҳам чида. Мақол. Уттизида эр атанган, қирқда шер атанар. Мақол. Қирқ кокил майда ўрнлган соч. Бошида напормон шойи дурра, орқада қирқ кокил, чеккаларида гажак, .. оёқларида амиркон маҳси, .. кимнинг қизи-ю, кимнинг қайлиги бу? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Киши вафотидан сўнг ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим. Йўлдош мотам-саро. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатм қурғон деб анча чиқмидор бўлган ўхшайди. С. Анорбоев, Мехр. Қирқ ушатмоқ қирқ маросимини ўтказмоқ.

**ҚИРҚБЎҒИН** Майда барглари бирлашиб найчасимон бўғинлар ҳосил қилиб ўсадиган спорали ўсимлик

**ҚИРҚИЛМОҚ** қирқмоқ *фл. мажҳ. н.* Дарахтнинг шоҳлари қирқилади. Қирқилган беда. — [Йигитнинг] бўйи баланд, қомаги келишган, қора соқоли ияғида текис қилиб қирқилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бек бошқа нар-

сани ўйлади. Яъни, унинг Қумқишлоққа кириш йўли энди узил-кесил қирқилди. Ҳ. Гулом, Машғал.

◆ Қадими қирқилди қадам босмай-диган, келмайдиган бўлди. Тили қирқилди гапира олмайдиган бўлиб қолди. Хотини келиши билан тили қирқилган раис гунг ўтирар .. эди. Ҳ. Гулом, Сенга интиламан.

**ҚИРҚИМ** 1 Чорва молларининг жунини қирқиш. Чорвадорлар биринчи қирқимни қизғин давом эттирмоқда.

2 махс. Чизмачиликда нарсаларнинг текислик билан кесилгандаги кўриниши.

**ҚИРҚИНЧИ** тартб сон 1 Тартиб ўрни 40 рақами билан белгиланган, 40 номерли. Қирқинчи бет. Қирқинчи уй.

2 Катта-кичик нарсаларнинг қирқ рақами билан белгиланган ўлчами. Қирқинчи туғли.

**ҚИР-ҚИР** қ. қир(р)-қир(р). [Усин] маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли епишқоқ илни ҳар қатимда бармоқлари билан қир-қир тортиб қўяди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚИРҚИШМОҚ** қирқмоқ *фл. бирг. н.* Кечқурун қароллар даладан келганларида отларга жодиди беда қирқишар .. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИРҚИҚ** Қирқилган, қирқиб, кесиб ташланган. Қулоғи қирқиқ ит. Думи қирқиқ от. Сочи қирқиқ хотин.

**ҚИРҚ(КОКИЛ)** (тўғриси қирқ кокил) қ. қирқ 1.

**ҚИРҚМА** 1 Қирқилган ёки қирқиладиган. Қирқма пиёз кўки-барги олиниб, туби ерда иккинчи йилга қолдириладиган пиёз.

2 Қишга сақланадиган кеч пишар, пўсти қалин қовун нави.

◆ Қирқма винтовка стволи қирқиб қисқартirilган винтовка. Қирқма шахмат усулида ишлаш қ. х. ғўза қатор ораларини кўндаланг ва узунасига культвацья қилиб ишлаш. Унинг [Комилжоннинг] ҳаёлини тор қаторлаб қирқма шахмат усулида экиш муаммолари қоплаб олди. И. Раҳим, Ихлос.

**ҚИРҚМОҚ** 1 Кесувчи асбоб билан бўлақламоқ, кесмоқ. Қоғоз қирқмоқ. Беда(ни) қирқмоқ. Дарахт шохини қирқмоқ. — Йўлчи йўғон қамиш топиб, .. бир қаршидан мўлроқ қирқиб олди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қалта қилиб кесмоқ, олмоқ ёки олдирмоқ (соч, соқол ва ш. к.нв). Сочини қирққан хотин.

3 Кўча Камайтирмоқ, қисқартмоқ. Иш ҳақидан қирқмоқ. Бировнинг ризқини қирқмоқ. — «Нормасини ба-жармади» деб, ҳар беш кунда меҳнатимни қирқади, деворий газетага уради, мажлисда гапирди. И. Раҳим, Ихлос.] Қисман мусодара қилмоқ. Совет ҳукумати .. Олаҳўжабойнинг яхшилаб патини юлди. Унинг мол-мулкларини қирқиб, камбағалларга, батрақларга бўлиб берди. П. Турсун,

Ўқитувчи. | Қайтармоқ, кесмоқ. Дашт шамоли ҳароратнинг дамини қирқиб турибди. Қ. Назир, Васият.

4 кўчма Беркитмоқ, тўсмоқ. Дезқонбой Сариков бир тўда гитлерчиларнинг чекинши йўлини пулемёт ўти билан қирқиб, душманга катта талафот етказди. Н. Сафаров, Дон. | Бўлиб, тўхтатиб қўймоқ. — Мен тўфайли сиз ҳам азият чекибсиз, — деб бошлади Қимсан. — Лекин қиз гапни қирқди. А. Мухтор, Тугилиш.

5 кўчма Қисқа йўл билан ёки ўртасидан кесиб ўтмоқ, кесиб чиқмоқ, кесмоқ. Қанал қишлоқни қирқиб ўтади. Йўлни қирқиб ўтмоқ. ■ Уларайтди: — Янеитда дарёни қирқиб ўтиб, Янгиқўрғон қараб кетди. «Фольклор».

◆ Пайини қирқмоқ қ. пай 1.

◆ КИРҚОЁК диал. Мингоёқ.

◆ КИРҚОҒАЙНИ Атиргулиннинг баланд бўлиб ўсадиган, майда сергул тури.

◆ КИРҚТА дона сон Қирқ дона ёки қирқ нафар. Қирқта китоб. Синфимизда қирқта ўқувчи бор.

◆ КИРҚТИРМОҚ қирқмоқ фл. орт. н. Сочини қирқтирмоқ. Беда қирқтирмоқ.

◆ КИРҚКУЛОҚ Барги йирик, споради ўсимлик; папоротник.

◆ КИРҒИ диал. Ранда. Усталар ишлатар теша, қирғини. «Равшан».

◆ КИРҒИЗ қ. қирғизлар. Қирғиз халқи. Қирғиз тили. | Қирғиз аёл.

◆ Кирғиз қовоқ 1) бир мунча бўртик, дўнг қовоқ. Сувонжоннинг .. қирғиз қовоқ кўзлари зигир гулидек митти-митти бўлиб порлади, ёноқлари чиққан юзлари яшинаб кетди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) шундай қовоқли киши.

◆ КИРҒИЗЛАР Қирғизистоннинг туб аҳолисини ташкил этган, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қирғиз халқи.

◆ КИРҒИЗЧА 1 Қирғизларга, қирғиз халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. Қирғизча куй.

2 Қирғиз тили. Сиз қирғизча(ни) биласизми? | Қирғизча гапирмоқ.

◆ КИРҒИЙ айн. қийғир.

◆ Қирғий бурун айн. қийғир бурун қ. қийғир. Асқар полковнинг қирғий бурнининг катаклари тез-тез очилиб қисилди. Ойбек, Куёш қораймас.

◆ КИРҒИН 1 Кишилар кўплаб қирладиган, кўп қон тўкиладиган уруш, жанг; хунрезлик. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Мақол. | Қиргин уруш. — Йигитларимизга оқоп қаздирадими ё милтиқ ушлатиб, қирғинга ҳайдайдими — бу нарса оқ подшонинг ихтиёрида. Ойбек, Кутлуғ қон. Муз устида қирғин Александр Невскийнинг Чуд кўли музи устида немис рицарларига қарши қилган жанги. | Ёппасига қириш, ўлдириш, қатли ом. Қўрқитиш ва қонли қирғинларга қармай, аҳоли босмачиларга қарши курашга кўтарилла бошлади. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

[Отабек] ўз отасини қипчоқ қирғинининг бош омилларибон деб қарор қўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қиргин топмоқ ёппасига қирилмоқ. Қиргин топиб қолди жуда кўп лашкар. «Муродхон».

2 Кўплаб ўлиш, қирилиш; ўлат. Молларга қиргин келди.

3 кўчма с. т. Каттиқ жанжал; уруш. Қирғин солмоқ (ёки қилмоқ) 1) кўплаб ўлдирмақ, қирмоқ. Ҳамма қизгин қутлайди Қулиб турган жангчини; Душманларнинг бошига Қирғин солган танкчини. 3. Дийр; 2) кўчма қаттиқ жанжал қилмоқ, жанжал кўтармоқ.

◆ КИРҒИН-БАРОТ 1 Қонли қаттиқ жанг, қирғинчилик, хунрезлик. Мана шу даштда босмачилар билан неча кунлар қирғин-барот бўлгани ёдимда. Ҳ. Назир; Узр, отахон.

2 кўчма с. т. Қаттиқ жанжал, уриш, зўр можаро. Икки маҳалла ўртасидаги муштлашиш, қирғин-барот авжега чиқиб турганда, қандайдир бир ўткир овоз дарҳол одамлар диққатини ўзига тортди. Мирмуҳсин, Тарихий қисса.

◆ КИРҒИН-СУРОН Қаттиқ қирғин, қирғин-барот, уруш-тўпонан. Бек .. қирғин-суронни қутиб ётганда отишмалар нечундир эшитилмади. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

◆ КИРҒИНЧИ Кишиларни кўплаб қирувчи, қиргин солувчи; қиргин қатнашчиси, хунрез.

◆ КИРҒИНЧИЛИК Қаттиқ қирғин, хунрезлик.

◆ КИРҒИЧ 1 Мева ва сабзавот этини қириш учун ишлатиладиган тишли рўзғор буюми. Қирғич билан қовоқ қирмоқ. ■ Ёшлар каюб чайнаятти, мен бўлса қовунни қирғичда қириб едим. И. Раҳим, Ихлос.

2 Қириб, тарашлаб тозалаш учун ишлатиладиган тигли асбоб. Мана бу жойини аввал пўлат қирғич билан тозаласиз-да. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

◆ КИРҒИЯК Қуз фаслининг бошланиш пайти. Қирғияк ёмғири шивирлаб ўтди, Чўпон кўйқорларга ташлайди назар. Ғ. Ғуллом.

◆ КИРҒОВУЛ айн. тустовук. Ботирали шу ҳаёл билан кетаётганда бир қирғовул парр .. этиб учди-да, ундан сал нарироққа бориб тушди. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

◆ КИРҒОҚ 1 Сув бўйидаги қуруқлик; лаб, бўй, ёқа; сохил. Дарё қирғоғи. Кўл қирғоғи. Денгиз қирғоғи. ■ Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб. Ғайратий. Фарида қурбақа сузиш қилиб қирғоққа қараб борар экан, сув пурқаб кулди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Ёйиқ нарсаларнинг чети; зих, қир. Рўмолнинг қирғоғи. ■ Адолат .. конвертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини қийди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Мурод] мушт билан стол қирғоғига урган эди, стаканлар жиринглаб сакраб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. | Йўл, дала ва ш.

к.ни ёқалаб кетган ер; чет, ёқа. Пахтазорнинг қирғоғи.

3 Чуқур нарсаларнинг юқори чегараси, чети, лаби, ёқаси. Жарнинг қирғоғи. Челақнинг қирғоғи. ■ Ҳайтовур жаханнамнинг қирғоғида чиқиб олди. Ойбек, Куёш қораймас.

◆ КИРҒОҚЛАМОҚ кам қўлл. Қирғоқ бўйидан юрмоқ, қирғоқ бўйлаб кетмоқ. Пирпираб роҳатбадан шабада қирғоқлаб эсиб, Шарқираб ўйнаб тўлиб тўлқин уриб кулгу келур. Ҳабибий.

◆ ҚИСАҚЎЗ кам қўлл. Қисиқ кўзли, кўзлари қисиқ, тор. Самбит қомат, от юзли, қисақўз буфетчи Розиковой руҳсат сўраб кабинет эшигини очди. А. Мухиддин, Чап чўнтак.

◆ ҚИСАТМОҚ диал. 1 Қистамоқ; шоширмақ, қичамоқ.

2 Тез юришга ундамоқ, ҳайдаб тезлаштирмақ. Биясин етаклаб йўлбарсдай бўлиб, Қисатиб чиқди, занглаб ётган чўлға. «Гўрўғли».

◆ ҚИСИБ-ҚИМТИБ реви Режаси билан, иқтисод қилиб, сарфлаб, тежаб-тергаб. Қисиб-қимтиб борини етказмоқ.

◆ ҚИСИЛИШМОҚ қисилмоқ фл. бирг. н.

◆ ҚИСИЛМОҚ қисмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Этаги эшик орасига қисилиб қолди. Мушти қисилди. Деворга қисилди. Бурчакка қисилди. Пулдан қисилди. Юраги қисилди. Кўзлари қисилди.

■ Энди оғзига келганини қисилмасдан гапиршига .. бошлади. Ойбек, Кутлуғ қон.

◆ ҚИСИЛТИРМОҚ қисилмоқ фл. орт. н. Арслонқул уларни қисилтирмаслик учун орқага чекинди. Ойбек, Навоий.

◆ ҚИСИМ айн. сиқим. Қисимига сиққанча. Бир қисим ун. ■ [Авазхон] Турсун деган мешкопнинг қўлига бир қисим тилла узатди. «Зулфизар билан Авазхон».

◆ ҚИСИМЛАМОҚ айн. сиқимламоқ. У сандиқлардан турли мева-чеваларни қисимлаб олиб, йилтироқ қора патнисларга ташлар. Жўрабоев, Мулла Б. м. Бобоқул ота .. ҳассасини маҳкамроқ қисимлайди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

◆ ҚИСИМЛАТМОҚ қисимламоқ фл. орт. н.

◆ ҚИСИНМОҚ 1 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истиҳола қилиб, тортиниб турмоқ, ййманмоқ, қимтинмоқ. Қисинмасдан, ёзилиброқ ўтиринг.

2 кам қўлл. кўчма Моддий қийинчиликда яшамоқ, бирор нарсадан муҳтожлик сезмоқ, сиқилмоқ.

◆ ҚИСИНТИРМОҚ қисинмоқ фл. орт. н.

◆ КИСИНҚИ диал. 1 Сиқиқ, танг, қисиқ. Қисинқи кўзлар.

2 кўчма Тортичмоқ, уятчан. Қисинқи бола.

◆ КИСИНҚИЛИК 1 қисинқи с. белги оти.

2 кўчма диал. Моддий қийинчилик, муҳтожлик.

**ҚИСИР** I I Бўғоз бўлмаг қолган, қочмаган ёки қочиб бўғоз бўлмаган. *Қисир сигир. Қисир қўй. Қисир сигир кўп маърайди.* Мақол. — *Астафидулло денг, тўрам! Кунг кеча ўзлари қисир ғунажинни бўғоз деб сотдилар.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 бот. Чангланмаган, уруғланмаган; хосил бермайдиган. *Қисир гул.*

**ҚИСИР** II тақл. с. Ёғочнинг синишидан, ёғоч қисларининг қимирлаб бир-бирига ишқаланишидан хосил бўладиган товушлар ҳақида. *У ўтирган стул қисир этди.*

**ҚИСИРЛАМОҚ** «Қисир» этган товуш чиқармоқ. *Қимирласам стул қисирлайди. Қовурғаларим қисирлаб кетди.* — *Аммо ўзи [қоғоз пул] банкдан янги чиққанидан экан! Қисирлашини эшитясанми, аяси? О. Ёқубов, Чин муҳаббат.*

**ҚИСИРЛАТМОҚ** қисирламоқ *фл. орт. н.* Стулни қисирлатмоқ. — *Алиохун .. керишиди, бармоқларини қисирлатди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Бектемир тишларини қисирлатиб, бўғилиб ётди.* Ойбек, Куёш қораймас.

**ҚИСИР-ҚИСИР** қисир II с. тақр. *Қисир-қисир қилмоқ. Ер қимирлаганда, синчлар қисир-қисир қилиб турди.* — *Ўғит ташиётган араваларнинг қисир-қисирни эшитилди.* Х. Назир, Чўл хавоси.

**ҚИСИШМОҚ** қисмоқ *фл. бирг. н.* Сайфулла билан Мастура сирли кўз қисқишиб илжайишганда, *Элмурод .. ғазабини ичига ютар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИСИҚ** I I Қисилган, сиқилган. *Қисиқ мушт.*

2 Кичик, тор ёки юмилинкараган, юмилган; юмуқ. Унинг [Холмуроднинг] қисиқ кўзлари кулеидан баттар қисилиб .. кетгандай эди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Сиқик, танг. *Қисиқ аҳвол.*

◆ **Бўйни қисик** 1) бўйни сиқилган ёки калта; 2) кўчма бўйни эгилган; тобе. У [Элмурод] бўйни қисик етим эмас. П. Турсун, Ўқитувчи. **Тили қисик** қ. тил.

**ҚИСИҚ** II кам қўлл. Сиқик, сиқув, тазиик.

**ҚИСИҚЛИК** қисик I с. белги оти.

**ҚИСМ** [а] I Бутуннинг таркиби, узвий бўлаги ёки ҳиссаси, улуши. *Даромадинг учдан бир қисми. Шаҳар аҳолисининг бир қисми.* Нарса ёки жойнинг бирор томони, бўлаги. *Анвар ўзини супанинг қоронғи қисмига олди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Машина, механизм, иншоот ва ш. к.ни ташкил қилган бўлақлардан ҳар бири; деталь. *Тракторнинг эҳтиёт қисмлари.* — *Эмин уни [пулемётни] шошилиб қўлга олди-да, бир зумда қисмларини ажратиб, газетага териб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Асарнинг маълум даражада мустақилликка эга бўлган алоҳида бўлаги; бўлим, боб. *Уч қисмдан иборат*

*роман.* — [Заргаров:] *Нега ёзиб бўлмаймиз? Докладнинг сийсий қисми, рақамлар тайёр дейиш мумкин.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. | *Иш, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг бўлаги. Мажлиснинг тантанали қисми. Йиғилишининг бадий қисми.* — *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизгин табриқлари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 ҳарб. Қуролли кучлар таркибидаги алоҳида бўлим, бўлинма ёки бирикма. *Миномётчилар қисми. Полкнинг санитария қисми. Қисм командири.*

**ҚИСМАН** [а] рвш Маълум бир қисми бўйича, бир жиҳатдан; тўла ҳолда эмас; маълум даражада. *Фикрингизга қисман қўйшаламан. Гапингиз қисман тўғри. Қўёининг қисман тутилиши. Маблағларни қисман сафарбар қилмоқ.* — *Мен яна тақрор айтаман, қисман хотинингиз айбли бўлса, асосан бунинг бош айбдор ўзингиз.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

**ҚИСМАТ** [а] I Гуё олдиндан белгилаб қўйилган, пешанага ёзилган кўргилик; ёзмиш, тақдир. *Қадим замонларда одамлар дунёдаги ҳамма нарса қисматга боғлиқ деб, ўйлаганлар.* Т. Тоғаев, Илмий башорат ва диний хуродот.

2 Умуман бошга тушган кўргилик, хол, аҳвол. *Отам бойга қул эди, Қисматимиз шул эди.* С. Акбарий. *Мана, кўз ўнгимда қисмати бир хил икки киши. Йўлдош ота ҳам, Рўзимат ота ҳам касоци оқармаган икки батрак.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. | *Қўрган ёки қўриладиган умр; насиба. Ҳасан овчининг қисмати битди, деб тахмин қилган элликбоши уни тезроқ қалъага дикиллатиб олиб боришга ошиқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Ҳаёт-мамонт масаласи, тақдир. *Бутун ёшлгимиз жангдидир буқун, Жангда ечилмоқда севги қисмати.* Х. Олимжон.

4 эск. кт. Қисм, ҳисса, улуш. *Қалин қисматини жуда кўп беринг, Не сўраса, берайин, қабул қилинг.* Пўлкан шоир.

**ҚИСМОҚ** I Куч ёки оғирлик билан тазиик кўрсатмоқ; сиқмоқ. *Қўлини қисиб кўришмоқ. Қучоқлаб белини қисмоқ. Рақибини деворга қисмоқ.* | *Сиқиб ушламоқ, тутмоқ. Чўғни оташқурак билан қисмоқ. Михни омбур билан қисмоқ.* — *Тешабой олдидаги қовун қосадан шошилмадан бир тилим олди-ю, оғзига келтирмай, икки бармоғи орасида қисиб туриб: — Тақсир, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Саид Жалолхон секин лабини қимтиб пашишани оғидан қисиб олди. А. Қаҳҳор, Башорат. | *кўчма* Бўғмоқ, нафасини қайтармоқ. Унинг ҳалқумини дард қисиб келди.

2 кўчма Эркинлик бермай қўйнамоқ, эзмоқ, сиқмоқ. *Бегона ўтлар ғўзани қисиб қўйибди.* — *Бой қиссан вақтларда аразлаб чўлдан бирон орқа ўтин*

*териб келиб бировга сотиб нон толамиз-да, чайлага бориб еб ётамиз.* Айний, Қуллар. | *Аҳволини танг қилмоқ, танг аҳволга солмоқ. Ҳар жиҳатдан қисиб қўймоқ.*

3 кўчма (ч. к. билан) Бирор нарсадан сиқмоқ; чеклаб, толиқтириб, зориқтириб қўймоқ. *Пулдан қисмоқ.*

4 Торайтирмоқ, кичрайтирмоқ, юймоқ. **Кўз(ни) қисмоқ** 1) кўзни торайтирмоқ, юймоқ. *Адолат ялт этиб Усмонжонга қаради. Унинг уйқу қисиб келаятган ҳорғин кўзлари Адолатга меҳр билан қараб турарди.* С. Зунунова, Гулхан; 2) кўзни юмиб-очиб имо-шора қилмоқ. *Отасининг юзида аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби имо қилган эди, Анвар кўз қисиб, арзимаганлик ишорасини берди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Бир-бирига маҳкам сиқмоқ, ёпиштирмоқ, юймоқ. *Лабларини қисмоқ. Тишларини қисмоқ.*

◆ **Бўйинни қисмоқ** 1) бўйинни ичига тортиб бирор ишора, маъно билдирмоқ. *Рисолат хола бўйинни қисиб ўзи ҳам бу сирнинг боисидан беҳабарлигини билдирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) кўчма бўйан эгмоқ. *Бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уймга етим боладак бўйинни қисиб кириб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Думини қисмоқ** писиб қолмоқ, кўрқмоқ. *Зўрдан зўр чиқса, зўр думини қисар.* Мақол. — *Қаттикроқ гапириб, ҳукуматни эсига солсанг, думини қисади бу чайқовчилар.* А. Мухтор, Давр мезлиг тақдиримда. **Тилини қисмоқ** сўзлашдан ўзини тиймоқ, оғиз очмаслик ёки сўзлатмай, оғзини очтирмай қўймоқ. *Улиқми-тирикми билармиз. Ман ҳам қараб турмайман.* Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚИССА** [а] I ад. Сюжетнинг мураккаблиги жиҳатидан романдан кўра соддароқ бадий асар; повесть.

2 ад. Ўзбек классик адабиётида воқеий ҳодиса ёки афсоналар баён қилинган эпик асар; хикоя, ривоят. *Қисса Сайфулмулк. Дурбекнинг «Юсуф Зуллайх» қиссаси.*

3 с. т. Бирор нарса, кимса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. ҳақида оғиздан оғизга кўчиб юрадиган хикоя, нақл. *Раҳимахоннинг қиссаси жуда узоқ. Унинг мураккаб ва машаққатли йўли ҳақида катта китоб ёкса арзийди.* Уйғун, Н. Сафаров, Раиса. *Қўдрат .. мароқли бўлган шарқ эртаклари қиссалар ва латиқалар айтиб, солдатларни тоза қулдирди.* Э. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Қиссадан қисса** айтилганлардан, нақлдан мақсад ёки хулоса. *Қиссадан қисса мана: Ҳар ишда керак бардош, Меҳнат, чидам бирикса, Олдида мум бўлур тош.* Қ. Муҳаммадий.

**ҚИССАҒҒҒ** [а-ф-т]. 1 Қисса ўқувчи, айтувчи.

2 Қисса ёзувчи, қиссанавис. *Қисса-ғўйлар, тарихнавислар ана шу ерлар*

[қўллар] *фожиаси, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кетмаганлар.* Миртемир, А. Пулат, Сирдарё сепи.

**ҚИССАҒҰЙЛИК қиссағўй с. маъх. от.**

**ҚИССАНАВИС** [a+f-m] Қиссалар, ҳикоялар ёзувчи адиб.

**ҚИССАНАВИСЛИК** **1** қиссанавис с. маъх. от. [Мирза Баҳром:] *Бутун умримни ҳар йўл билан миллат хизматиға сарф қилмоқдаман. Шу йўллардан бири қилиб, эндиликда, қиссанависликка киришдим.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**2** Қиссалар, ҳикоялар ёзиш.

**ҚИССАХОН** [a+f-m] Кўпчилик ўртасида қиссалар, ҳикоялар ўқувчи ёки айтувчи киши. *Қўқнорихона аҳлининг ўзларидан қиссахонлари ҳам бор.* Фитрат, Қиёмат.

**ҚИССАХОНЛИК** **1** қиссахон с. маъх. от.

**2** Йиғилишиб, кўпчилик бўлиб қиссалар, ҳикоялар ўқиш, айтиш ва эшитиш. *Ҳар кун кўқнор ичилгандан кейин қиссахонлик бошланади.* Фитрат, Қиёмат.

**ҚИССАЧИ** с. т. Қиссахон, қиссағўй. *Ундан уста қиссачи йўқ.*

**ҚИСТАЛАНГ** Кечиктириб бўлмайдиган, шошилини, ошиғич, қистовли. *Қисталанг иш. Қисталанг қилмоқ.* — *Тозалаш машинасининг машинисти .. битумчиларга қараб: «Қани, бўлмай-сизларми?» — деб қисталанг қилди.*

**И.** Раҳим, Тақдир. Фарғонанинг боғ ва далалари кўклам либосига бурканмоқда. *Деҳқонларнинг иши қисталанг келмоқда.* **И.** Тўхтасинов, Фарғоналиклар, кечикманг. *Ҳозир қоп-қанордан тортиб жуволдизгача ҳамма нарсанинг муҳайё бўлгани яхши, иш қисталанг пайтда дард қолмайди киши.* **Ҳ.** Нурий, Пахтакор ўйлар.

**ҚИСТАМОҚ** **1** Бирор иш-ҳаракат қилишга зўр бериб ундамоқ ёки зўрламоқ, ҳол-жонига қўймай илтимос қилмоқ. *Кампир .. ҳа деб овқат ейишга қистар эди.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Унинг [Шарофатнинг] мўлжалига кўра Сидиқжон яна қасам ичиши, юр деб қисташи, ҳол-жонига қўймаслиги керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Зўр бериб шошироқ, қистовга олмоқ, ошиқтироқ. [Ўзбек ойм] *тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Тез, дарҳол қайтиб беришни талаб қилмоқ. Қарзни қистамоқ. Нокадан қарз бўла, ҳам йўлда қистар, ҳам гўрда.* Мақол. — *Бир кун мусаллас суздим; сузмасам бўлмас эди, чунки амаким хумини қистади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**3** Тез юришга ундамоқ, тезламоқ. *Ҳўкиз калласини эзиб омончи тортишига уринар, қўйиш ҳа деб қистар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**4** (ш. аффикслари билан) Ўзидан олдин келган сўз билан ифодаланган

иш-ҳаракатни бажаришга кучли хоши ёки қайтариб бўлмайдиган талаб пайдо бўлганлигини билдиради. *Билгиси қистади. Сўзлагиси қистади. Йўталгиси қистаяпти. Ғайратсизнинг ғайрати иш битганда қистайди.* Мақол. — *Унинг [Қаюминин] бу ҳаракатидан аччиғим қистади.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Биласизми, кўнглинг қумсаганини кўргинг қистаганда кўролмасанг .. жуда оғир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚИСТАНГЛАМОҚ** *диал.* Қистамоқ, қистовга олмоқ. *Бизни ҳа деб қистанглайсиз-у, келин аямга индамайсиз-а, Муса ака, аёллардан бири гап қотди.* С. Аҳмад, Хукм.

**ҚИСТАТМОҚ** *қистамоқ фл. орт. н.* Қарзни қистатмай қайтармоқ. *Унинг кўриниши кишининг кулгисини қистатади.* — *Хонимбиби қизларга қистатиб ўтирмай, ўрнидан сакраб турди-да, ўйнаб ҳам кетди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚИСТАШМОҚ** *қистамоқ 1—3 фл. бирг. н.* Мезбонлар меҳмонларни ёйиб ўтиришга қистайди. *Мени, тезроқ кўчи келинг, деб хўп қисташди.*

**ҚИСТИРИЛМОҚ** *қистирмоқ 2—6 фл. мажх. н.* Чақкага қистирилган гул. — *Тошкентлик мардикор .. липпасига қистирилган кир бўз халтачани — ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўқди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚИСТИРИҚЛИК** Қистирилган, қистириб, тиқиб, суқиб қўйилган. *Замоннинг .. эғнида барлари белбоғига қистирқиқчи қора чопон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Кампир] *негадир шошиб қўйлаги еғига қистирқиқлик рўмолчани олиб қўлларини артарди.* У. Умарбеков, Она.

**ҚИСТИРМА** **1** Нарсаларнинг ўртасига, орасига қистириб, тиқиб, суқиб қўйилган нарса.

**2** *тех.* Машина, механизм, иншоот қисмларининг бириктиш юзасини зичлаш учун орасига қўйилдиган юпқа эластик деталь. *Резина қистирма. Мис қистирма.*

◆ **Қистирма қилмоқ** гап орасида бирор нарсага шама, луқма ташламоқ.

**ҚИСТИРМОҚ** **1** *қисмоқ фл. орт. н.* **2** Орасига тиқиб, суқиб қўймоқ. *Қўлтиғига китоб қистирмоқ. Лабиға папирос қистирмоқ. Чақкасига гул қистирмоқ.* — *Унинг [Азизбекнинг] орқасидан. кумуш камарнинг ўнг томониға қилчи, сўлиға тўппонча қистирган бир киши келар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ўғлим, ана у беҳининг каллазига газета қистириб қўйган эдим, шуни олиб кел.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. | *Тағига қўймоқ, бостирмоқ. Стол оёғига тахтача қистирмоқ.* — [Бой] *хатни курси устидаси қуруқ патнис тағига қистирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** с. т. Қўлига тутқазмоқ, ушлатиб

қўймоқ, бермоқ. *Домла орқага ўтиб .. Саидийнинг қўлига қоғоз қистирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қиёмхонов шофёрга уч сўм қистириб, бирор фалокатни сезгандай машинадан имиллаб тушди.* Э. Носиров, Топширилмаган совға.

**4** *этн.* Тўй-ҳашамларда ўйинчи, хофиз ва ш. к.ни рағбатлантириш учун чақкасига ёки қўлига пул суқиб қўймоқ. *Ўйинчиға кўплар пул қистирди.*

**5** *кўча* Бирор нарса ҳақида йўл-йўлакай луқма солмоқ; гап орасида гапириб ўтмоқ; қўшиб қўймоқ. *Яқинда поччам катта сумма зарур бўлиб қолганини сўз орасида қистириб ўтди.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Тўғланбой мўйлов] *икки гапнинг бирига ё байт, ё бўлмаса ибратли бир ҳикоят қистириб ўт-маса кўнгли жойига тушмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. [Зокир ота:] *Камчиликларни танқид қилганимда мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди, лекин бу масала алоҳида қўйилганлиги учун қистирмадим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**6** с. т. дағл. *Иш, ўқиш ва ш. к.га киргизиб қўймоқ, жойламоқ.* [Заргаров:] *Не, тағин нима қилдим дейди-я!.. Хотининг ўқийман деса битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин ўзи ташлаб кетмайдими?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ҚИСТИР-ҚИСТИР** с. т. Кўплаб пул қистириб. *Ашула қоғз белига келганда, қистир-қистир бошланиб кетди.*

**ҚИСТИРҒИЧ** *айн. қисқич. 2.*

**ҚИСТОВ** **1** *қистамоқ фл. иш оти.*

**2** Қаттиқ қисташ, ундаш, қисталанг қилиш, шошиштириш; қистоқ. *Тўй қистови билан тўн битар.* Мақол. — *Элмурод ҳамманинг бараварига қистовига қарамай, тўрға чиқмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Раис.. Қодиржоннинг қистови билан фикрини очиқ айтишига мажбур бўлди.* М. Назаров, Жилвон жилғалари. *Қистовга олмоқ қаттиқ қистамоқ, қисталанг қилмоқ, шоширмоқ. Унинг [Шакарнинг] пирпираб турувчи узун киприклари остида чиройли жилмайган кўзларидан «мунча одамни қистовга оласиз?» деган гинани уқдим.* Ҳ. Назир, Қўктерак шабадаси.

**3** *сфт* Сира кечиктириб бўлмайдиган; ошиғич, қистовли. *Директор энг олдин ана шу шошилини, қистов ишларни адо этарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || *У яна .. гап бошлармикан деб қўрқиб туради эдим, йўқ, иши қистов экан, боғига кетди.* С. Аҳмад, Лочин.

**ҚИСТОВЛИ** Сира кечиктириб бўлмайдиган; зуд, зарур, ошиғич. *Қистовли иш.*

**ҚИСТОҚ** *айн. қистов 2.* Қистоққа олмоқ *айн. қистовга олмоқ қ. қистов 2.* *Фаришталар кўплашиб холати қистоққа олдилар.* Ғайратий, Довдираш.

**ҚИСТОҚЛАМОҚ** Қаттиқ қистамоқ, қистовга олмоқ. *Аламли сўздан.. Қистоқлаб бари, тинглашди қўймай.* Ғ. Гулом.

**ҚИСКА 1** Бўйлама ўлчами, узунлиги унча катта бўлмаган; калта. *Қиска ёғоч. Қиска йўл. Қиска сочли аёл. Бўйи қиска одам. Бўйни қиска от. Қиска метражли фильм.* || Ёғочни узун, темирни қиска кес. Мақол. — *Икки йўловчининг қиска соялари катта-кичик тош, турли дашт ўсимликлари устидан эгилиб борар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Зайнаб қиска бўй, ёғитдор ва оқ танли эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қиска тўлқинлар 10 метрдан 200 метргача бўлган радиотўлқинлар. Қиска тўлқинли радио 1) 10—200 метр узунликдаги. Қиска тўлқинли радиосигна; 2) қиска тўлқинда ишлайдиган. Қиска тўлқинли радиоприёмник.*

2 Узоқ давом этмайдиган, оз вақт давом этадиган, оз вақтги. *Қиска кун. Қиска иш ҳафтаси. Қиска мажлис.* || *Ёз кечаси қиска.* || *Қиска нафас олмоқ.* — *Эрталаб завод судогининг қиска-қиска овози эшитилди. Р. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси. Ун иккита патроннинг ўн биттасини уч қиска очердада нишонга жойлади Элмурод. Шухрат, Шинелли йиллар.* || *Қиска гапирмоқ. Хатни қиска ёзмоқ.* — *Ёнимда ҳаёл суриб ўтирган бек: «Борганда биласиз, домла» деб қисқагина жавоб қилиб қўя қолди. Х. Ғулум, Машғал. Фикрни домлаза маъқул келадиган бир тарзда қиска ва равиан қилиб ифодалаб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гапнинг (ёки сўзнинг) қисқаси 1) гапнинг ҳулласи, асосий маъноси, мазмуни; гапнинг лўндаси. *Хўш, энди аризадан асл муддаонгиз нима? Гапнинг қисқасини айтинг. П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) кири с. қисқаси, хуллас.— Гапнинг қисқаси, анча сарсон бўлдиқ,— деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.**

3 *Кўчма* Етарли эмас, етук эмас, ноқис, кўтоҳ. *Андишаси қиска. Сабру-тоқати қиска.* — *«Сочи узун, ақли қиска»,— деб хотинини яна жеркигандан кейин, Содиқ давом этди. Айний, Қўллар. Қиска ўйламоқ* етарли даражада ўйламай, оқибатини тушуниб етмай, осон фахмлаб иш тутмоқ, юзаки ўйламоқ. [Азизбек:] *Сиз, яхшиларим, бу қиска ўйлашингиз билан ўз оғингизга ўзингиз болта уриб, яна қипчоқлар қўлга қарам бўласиз. А. Қодирий, Утган кунлар.*

◆ **Тили қиска айн. тили қисик қ. тил.** *Нима, айтмасдан, тилим қиска-ми? А. Қаҳҳор, Янги ер. Қўли қиска қ. қўл 9.*

**ҚИСКАЙМОҚ** с. т. Қисқармоқ. **ҚИСКАЛИК** қиска с. белги оти. Вақтнинг қисқалиги. Ақлнинг қисқалиги. Гапнинг қисқалиги.

**ҚИСКАРМОҚ 1** Бўйлама ўлчами, узунлиги озайиб, калта, қиска бўлмоқ. *Йўл қисқарди. Кун тик келиб, соя қисқарди.* — *Саватнинг оғирлиги остида бўйи қисқарандай, ятасқи нон-вой ҳар кун пешин вақтида иккита ширмой нонни бойга ташлаб кетар эди. Ойбек, Қутлур қон.*

2 Давом этиш вақти қамайиб қиска,

калта бўлиб қолмоқ. *Ёзда тун қискаради, қишда кун қискаради. Бизда ҳафталик иш соати қискаради.*

3 **Микдор** ёки ҳажм жиҳатдан қамаймоқ, озаймоқ. *Идора хизматчиларининг сони қискаради. Харажатлар икки ҳисса қискаради.*

4 **мат.** Бирор сонга касрсиз бўлиноқ; шундай сонга бўлингандан кейин кичик сонларда ифодаланмоқ. *Беша қисқармайдиган сонлар. Бу каср учга қискаради.*

**ҚИСКАРТИРИЛМОҚ** қисқартирмоқ *фл. мажх. н.* Мақола бирмунча қисқартирилди. *Каср иккиса қисқартирилди. Харажатлар анча қисқартирилди.* — *Иш шароити оғир бўлган бир қатор касблар учун иш кунни етти ва олти соатгача қисқартirilганлиги.. дам олши ҳуқуқини таъминлайди. «ЎзССР Конституцияси».*

**ҚИСКАРТИРМОҚ** қисқармоқ *фл. орт. н.* Кўйлакни қисқартирмоқ. *Чеккиш умрни қисқартиради. Ремонт харажатини икки марта қисқартирди. Касрни тўртга қисқартирмоқ.* — *Нега [худо] мен учун ернинг танобини тортиб, йўлни қисқартирмайди! Ойбек, Қутлур қон.*

**ҚИСКАРТИШ 1** қисқартмоқ *фл. иш оти.*

2 **айн. қисқартма 3.**

**ҚИСКАРТМА 1** Қисқартirilган, мухтасар текст. *Диссертациянинг қисқартмаси.* || *Романнинг қисқартма вариантма.*

2 Қисқартirilган сўз, ибора ва ш. к. *Шартли қисқартмалар. Қисқартма отлар* бир неча сўзнинг бош қисмидан тузилган отлар, аббревиатуралар (мас., СССР, райком)..

3 **Текстнинг қисқартirilган ери, қисми; қисқартиш. Муҳим қисқартмалар.**

**ҚИСКАРТМОҚ** қисқармоқ *фл. орт. н.* Мақолани қисқартмоқ. *Штатни қисқартмоқ.* — *Комсомол бўлиб, сочини қисқартган бу қизча катта ёшли эркалардан ҳам донороқ бўлган. Айний, Қуллар.*

**ҚИСКАСИ** кири с. Қиска, лўнда қилиб айтганда, гапнинг лўндаси; хуллас калом. [Оқила:] *Узи жуда ҳалол, меҳнатқаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

**ҚИСКАЧА** Қиска шаклдаги; мухтасар. *Қискача луғат. Қискача ахборот. Қискача таржимаи ҳол.* || *Қискача сўзламоқ. Фикрини қискача (қилиб) баён этмоқ.* || *Менинг сўзим қискача.* — *Мен бунга қискача жавоб ёзиб, «Янги йил сиз эсон-омон келган кунни киради»,— дедим. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб, воқеани қискача айтиб берди. Ойбек, Қутлур қон.*

**ҚИҚИЧ 1** Нарсаларни қисиб ушлаш учун ишлатиладиган асбобларнинг умумий номи. [Қудрат] *чап қўлидаги узун темир қисқичида қисилган ва устини кул босган бир юмалоқ темир*

*чўғни сандонда болғаламоқда. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Қоғоз ва ш. к.ни бир-бирига ёки бирор нарсага бириктириб қўйиш учун ишлатиладиган мослама; скрепка. *Хужжатларни қисқич билан делега тирмамоқ.* | *Ёйилган кири арқонга маҳкамлаб қўйиш учун ишлатиладиган мослама.*

**ҚИСКИЧБАҚА** Бўғин оёқдиларга мансуб, ширин сув ҳавзаларида яшайдиган, танаси қаттиқ қобик билан қопланган, калласи ёнида панжалари бўлган жонивор.

**ҚИТИЛЛАМОҚ** айн. қитирламоқ.

**ҚИТИР** тақл. с. Қуруқ нарсаларни тирнаганда, бир-бирига ишқаганда, кемирганда ҳосил бўладиган товушлар ҳақида.

**ҚИТИРЛАМОҚ** «Қитир-қитир» овоз чиқармоқ, қитилламоқ. *Қалами енгил қитирлаб, чиройли ҳарфлар туширмоқда. Ойбек, Навоий. «Наҳотки, улар шунчалик маккор!»— деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётоқ эшигидан қитирлаган овоз эшитиб, бетинчланди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ҚИТИРЛАТМОҚ** қитирламоқ *фл. орт. н.* *Бобҳўжа домла битта сонни ёзиш учун доскага бўр суркаб, қанча қитирлатар эди, ахир. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ҚИТИР-ҚИТИР** қитир с. тақр. *Хонага жимлик чўқади. Перонинг қитир-қитири эшитилди. Н. Шаламова, Ажойиб ҳаёт саҳифалари.* || *Маҳмуд ака «Москва» приёмнигини бурар, приёмник қаттиқ ҳуштак чалар ва қитир-қитир қиларди. П. Қодиров, Уч илди.*

**ҚИТИК** Терига, баданга бирор нарсанинг тегиши, қитиқлаши туфайли юзага келадиган асабий сезги. *Қитиғи тез одам. Қитиғи йўқ одам.* — *Бегимхоннинг қитиғи зўрлигидан ўзини тутолмай «вой!» деб ёнига ташланди. И. Раҳим, Чан муҳаббат. [От] қитиғини бойга кўрсатади. Менинг тағимда пашмакдай мулойим юради бу жонивор! Х. Ғулум, Машғал. Буvasининг бир тутамгина соқоли юзига тегиб, [боланинг] қитиғини келтириб қулдиради. С. Анорбоев, Оқсой.*

◆ **Қитиқ парига (ёки патнга) тегмоқ айн. қитиғига тегмоқ.** У [Аҳмаджон] *Аъзамнинг тегажоқлигини қораларди. «Қитиқ паримга тегиб нима қилардинг!» Ф. Насриддинов, Қўнғил. Қитиқ парини (ёки патини) юлмоқ айн. қитиғини ўлдирмоқ. Мен буларнинг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмақчиман. А. Қодирий, Обид кетмон. Қитиғига тегмоқ гашини, аччиғини келтирмоқ, гашига тегмоқ. Совуқ жавоб Содиқ аминнинг қитиғига тегди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қитиғини ўлдирмоқ 1) гаши, аччиғи келмайдиган, чўчимайдиган қилиб қўймоқ; 2) кўчма гапга кирадиган, ювoshi қилиб қўймоқ. Бу қўл эриш кўрчмаслиги, ҳуркитмаслиги учун ҳозирдан унинг кўзига ис-*



сиқ кўриниши, қитиғини ўлдириш керак. А. Қақхор, Сароб.

**ҚИТИҚЛАГИЧ** физиол. Қитиқ ва умуман ҳис уйғотадиган, асабларни ҳаракатга келтирадиган нарса, фактор. *Химиявий қитиқлагичлар.*

**ҚИТИҚЛАМОҚ** 1 Тернга, баданга тегиб ёки қўл тегизиб кулги қўришмоқ. *Бир-бирини қитиқлаб, ҳиринглашган қизлар Нозикнинг сўзига кулоқ солмадилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 физиол. Кўзғатмоқ, уйғотмоқ, таъсир қилмоқ (асабни, организмни, айрим органини). *Нерв учларини қитиқламоқ.*

3 кўчма Безовта қилмоқ, кўзғатмоқ, кучайтирмоқ. *Қовуриладиган қабоб худди димоғни қитиқлайди.* И. Муқимов, Қутлуғ қадам. *Бу гаплар кишиларнинг мудраган руҳларини қитиқлади, чойхонада «ақл талаш» бошланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хушбўй еллар билан диллар завқини Қитиқлар .. оромбахш, севиқли баҳор.* Х. Расул. **Юракни** (ёки дилни, қалбни) қитиқламоқ кишига ёқиб ширин ҳис-туйғулар уйғотмоқ, роҳат бахш этмоқ, завқ-шавқ бағишламоқ. *Машинанинг дарчасидан кираётган ўйноқи шабада дилларни қитиқлади.* Т. Расулов, Марҳамат.

4 кўчма Ғашини ёки аччиғини келтирмоқ, зардасини қайнатмоқ. *Салимқоннинг келишмаган товуши уни қитиқлади ва у ҳам қўйиша бошлади.* А. Қақхор, Сароб.

**ҚИТИҚЛАНМОҚ** қитиқламоқ 1,2 фл. мажҳ. н. Асабларнинг қитиқланиши.

**ҚИТИҚЛИ** Салга қитиғи келадиган, қитиқдан чўчийдиган, қитиғи зўр. *Қитиқли одам. Қитиқли от.*

**ҚИТИҚЛОВЧИ** 1 қитиқламоқ фл. ш. оти. Ҳавони қовурилган гўшт билан кўк пивзнинг иштаҳани қитиқловчи ўткир бўйи тўтди. О. Ёқубов, Тилла узук.

2 кўчма Кўзғатадиган, безовта қиладиган. **Юракни** (ёки дилни, қалбни) қитиқловчи жуда ёқимли; кишига завқ-шавқ бағишлайдиган, ширин ҳис-тууғулар кўзғатадиган. **Юракни қитиқловчи куй.**

3 ай. қитиқлагич.

**ҚИТМИР** [а] Ўтакетган фитна, доғули, галамсқ. *Сайдғози ўлғундай қитмир, қурумсоқ, ҳамма вақт нолигани-нолиган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Умаров] қитмир, шахсиятпараст, кўз-бўямачи, .. яна алланималар деб уни [Очиловни] танқид қилвериб, охири шидан олинишига сабаб бўлди. А. Мухиддин, Характеристика.

**ҚИТМИРЛИК** 1 қитмир с. белги оти. [Шокиройичинге] оддий муомаласи ҳам дағаллик, минг хил кесатиқ. Бунинг устига қитмирлигини айтишг. А. Мухиддин, Зебонинг севгиси.

2 Қитмир одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. **Қитмирлик** қилмоқ. ■ Таассуфки, менда ҳам шу қитмир-

лик касаллиги бор. А. Абдуразоқ, У дунёда. Бўриев Самандаровнинг қитмирлик қилиб, ресурслар ҳақида маълумот бермасликка уринганини пайқади. А. Мухтор, Тугилиш.

**ҚИТТАЙ**, «дек Оз, озгина, бир оз, жиндай. *Қиттай сув. Қиттай туз.* || *Қиттай чимқоқ. Қиттай мизғиб олмоқ.* ■ *Осмон тиниқ, кўм-кўк шишадай, Қиттай ҳам булут йўқ.* Х. Олимжон.

**ҚИТТАҚ** с. т. Қиттай, озгина. **ҚИТҒА** [а] 1 Ернинг денгиз ва океанлар билан қуршалган олғита алоҳида қисмларидан ҳар бири. *Африка қитғаси. Европа қитғаси. Осиё қитғаси.*

2 кам қўлл. Алоҳида маъмурий территория, мамлакат. *Кўчманчи музларда ажиб, ғалати, Совет қитғасининг бир вилояти.* Ғ. Ғулом. *Дунёнинг кўп машҳур қитғаси эди Талай можародан ўтиб Туркистон. Шайхзода.* Маълум территориянинг бир қисми; бўлак, қисм. *Рафиқовнинг фикри билан колхоз этти қитғага бўлинади: буларни «бўлтақ» деб аташга қарор қилинади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Пахта экилган бир қитға ер устида тўпланган бир неча колхозчилар ўрғасида қизғин баҳслашув бормоқда эди.* Айний, Қуллар.

3 ад. Фақат жуфт мисралари қофияли бўлган кичик шеърини форма. *Навий қитғалари.* ■ [У] ўнлаб янги ғазаллар, қитғалар эшитди. Ойбек, Навоий.

**ҚИТҒАЛАРАО** 1 Бир қитғадан бошқа қитғага борадиган, етадиган. *Қитғалараро баллистик ракета.* | Бир қитға билан иккинчисини боғлайдиган; қитғалар орасида қатнайидиган. *Қитғалараро пассажир самолётлари.*

2 Бир неча қитғага оид, бир неча қитға ўртасидаги, улар учун муштарак. *Қитғалараро тинчлик форуми. Қитғалараро тинчлик комитети.*

**ҚИХ** 1 тақл. с. Томоқни қирганда ёки томоқ қириб кулганда чиқадиган товуш ҳақида.— *Қих ..— деди Мели полвон:— Ҳамманинг терисига сомон тиқар эмиш, .. қих.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚИХ** II ай. қиха.

**ҚИХА** бол. Кир, ифлос, бижий. *Бу қиха, ема.*

**ҚИХ-ҚИХ** қих с. тақр. *Қампир унда-бунда қолаган, тишқоли сурилган тишларини очиб қих-қих кудди ва хўжайиннинг буйруғини кутди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚИХ-ҚИХЛАМОҚ** Томоғини қириб овоз чиқармоқ ёки кулмоқ. *Жамолбой ҳаммага бир-бир қараб, қих-қихлаб кулиб қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚИЧАМОҚ** диал. 1-Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга тиришмоқ, шошилмоқ, ошиқмоқ. *Парларидан терлар оқиб боради, у ҳавода қичаб парвоз қилади.* «Алпомиш». *Кечга қолмайлик деб қичаб жўнади.* «Ширин билан Шакар».

2 Шоширмоқ, шошилтирмоқ, тезлат-

моқ. *Отни қичамоқ.* ■ *Қамчи бериб чу деди, Қаттиқроқ, уни қичади.* «Равшан». | *Қистовга олмоқ, қистамоқ. Қарзни қичамоқ.* ■ *Равшанхон ўғлонга бир сўз деб, пулини қичаб турибди.* «Равшан».

**ҚИЧАТМОҚ** қичамоқ 2 фл. орт. н. *Отни қичатмоқ.*

**ҚИЧИМА** Баданга майда пуфакчалар тошириб қичитадиган юкумли тери касаллиги.

**ҚИЧИМОҚ** 1 Қичиқ туриб, қичиғи кўзғаб безовта қилмоқ. *Унинг авзойи бадани қичияпти. Яраси қичияпти. Кўзим қичияпти.*

2 Қашимоқ; қичинмоқ. *Оёқларини қичиб қонатиб юборибди.*

◆ **Қўли қичиди** бирор иш қилгиси ёки муштлашгиси келди. *Қиличбоз йигитларнинг юраклари тошиб, қўллари қичиб, жангени қумсар, бўронли кунларни кутиб сабрсизланардилар.* Ойбек, Навоий.

**ҚИЧИНМОҚ** Қичиган жойни тинчлантириш, қичиғини босиш учун ишқаламоқ, бирор нарсага суркамоқ ёки қашимоқ; қичимоқ, тирнамоқ. *Қичиниб ҳамма ёғини юлиб юборибди.*

**ҚИЧИНТИРМОҚ** қичинмоқ фл. орт. н.

**ҚИЧИТМОҚ** қичимоқ фл. орт. н. *Қичитқи ўт баданимни қичитиб юборди. Тутун томоғимни қичитяпти.* Орқасини бировага қичитмоқ. ■ *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. [Игит] *бу гапни ҳам унинг тилини қичитиш учун айтган бўлса керак.* А. Қақхор, Қўшчинор.

**ҚИЧИТҚИ:** қичитқи ўт (ёки тикан) поя ва барглари баданга тегса қичитиб, ачиштирадиган тукчалар билан қопланган ўсимлик.

**ҚИЧИШМОҚ** 1 қичимоқ фл. бирг. н. 2 ай. қичимоқ 1. *У кўздан йўқолгандан сўнг дўпписини кўтариб, қичишмаса ҳам, бошининг орқасини қашлади.* А. Қақхор, Сароб.

**ҚИЧИШТИРМОҚ** қичишмоқ 2 фл. орт. н. *Қичитқи ўт оёқларимни қичиштириб юборди.*

**ҚИЧИҚ** 1 Қичинишга мажбур қиладиган ҳис-туйғу. *Авзойи баданимга қичиқ турди. Яранинг қичиғи босилди.*

2 кўчма Енгиб бўлмайдиган кучли хоҳиш, истак. *Қичиғини бос(тир)моқ.*

3 кўчма Кишини ўзига тортиш ҳиссини уйғотиш учун қилинадиган шўх ҳаракат, қилиқ; ноз-ниша, карашма, ғамза. || *Қичиқ хотин. Қичиқ қилмоқ.* || — *Қизик,— кўзларини қичиқ сузиб, хотин гапира бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Шўх, шўхчан(г), ўйноқи. *Қичиқ ашула.*

◆ **Қичиқ** атлас атласнинг шўхчан гулли бир тури. *Шу вақт эшик очилиб, жувон кириб келди. Устида йша қичиқ атлас кўйлаги, фақат енини шимариб қўйибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚИЧИҚЛИК** қичиқ с. белги оти. *Қичиқлик қилмоқ.*

**КИЧОВ** диал. Қистов, қистоқ. Қичов қилмоқ. — Бу қичовга бу отларинг бўлмайди, Тулпор эмас, мунинг бари ёбидир. «Равшан». Кеч қолмайин қичов билан борарсан, Насиб бўлса, сен ёрингни оларсан. «Мурудхон».

**КИЧҚИРИШМОҚ** қичқирмоқ фл. бир. н.— Юкни бекорга ташиймизми, қобирғамиз синай деди! — қичқиршиди бошқалар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИЧҚИРИҚ** 1 Қулоқни тешгудай қаттиқ овоз; бақирқи. Болаларнинг қичқирғиғи. — Шу пайт қайдандир қичқирқиқ зшитилиб, атрофни қийчув босди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Бирдан настдан, тоғ қазувчилар манзилдан шодиена қичқирқиқлар кўтарилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хўрознинг қичқирини; хўроз қичқирадиган пайт. Охири шу қарорга келдик. Мен қочадиган бўлдим ва биринчи хўроз қичқирғиғида Янгибозорга қочиб кетдим. П. Турсун, Ҳўрғувчи.

**КИЧҚИРМОҚ** 1 Қулоқни тешгудай қаттиқ овоз чиқармоқ; бақирмоқ. Ура! деб қичқирмоқ. Қичқириб гапирмоқ. — Ёлгон! — Ғуломжон дахшатли .. қичқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хўрознинг қичқирганини зшитганмисиз? А. Қаххор, Бек.] Ҳўрғувчи, чинқирмоқ. Поезд қичқирганини зшитиб, юрагим бир орзиқиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Қаттиқ овоз билан қақирмоқ.

3 Кўйма Ҳаммага овоза қилмоқ, жар солмоқ. Масбул ишларнинг шу қичқилари тўғрисида газеталар бир неча ҳафталаргача қичқирди. А. Қаххор, Сароб.

**КИЧҚИРОҚ** Қичқириб гапирадиган, бақироқ.

**КИЧҚИРТИРМОҚ** қичқирмоқ фл. орт. н.

**КИЧҚИРТМОҚ** қичқирмоқ фл. орт. н.

**КИШ** Йилнинг куздан кейин келадиган совуқ фасли. Совуқ қиш. Қаҳрамон қиш. Қиш фасли. Қишга чидамми навлар (бот). — Эрта қишнинг совуқ нафаси унинг димоғига гул этиб урди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КИШБОП** Қишда қўл келадиган, қишда ишга ярайдиган, асқатадиган. Қишбоп қўйлак.

**КИШИН-ЎЗИН** Қишда ҳам, ёзда ҳам; йил бўйи. Қурилиш қишин-ёзин тўхтамади. — Деҳқон қишин-ёзин ишлайди-ю, кузга бориб илғи қўрийдди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИШКИ** 1 Қишга оид; қишга хос бўлган. Қишки кун. Қишки совуқлар. — Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ қиймини кийган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Қишда бўлган ёки бўладиган; қишдаги. Қишки мусобақалар. Молларнинг қишки парвариши. | айн. қишлик 1. Қишки спорт зали. — Қурбон ота елиб-югуриб сал кунда қишки ва ёзи қизил чойхонанинг кам-қўстини тўғрилаб олди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КИШЛАМОҚ** Бирор жойда қишни ўтказмоқ, қишда бирор жойда туриб яшаб қолмоқ. Тоғда қишламоқ. Бу йил богда қишладик.

**КИШЛАТМОҚ** қишламоқ фл. орт. н. Қўйларни қишлатиш — чорва хўжалиги турмушида энг жавобгар давр.

**КИШЛИК** 1 Қишга мосланган, қиш учун белгиланган, қишда ишлатиладиган ёки ишлайдиган; қишки. Қишлик қийим. Қишлик спорт саройи.

— Хўжаликка керакли бинолар, ҳаммом, қишлик богча, қишлик чойхона муддатидан анча бурун битди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Қиш давомида ейиш-ичиш, ишлатиш учун етарли нарса. Қишлигини ёзда ғамлаб қўймоқ. — Мулла Обид ўн уч кун деганда, беш таноб ерни чошиб, ерни қип-қизил шўдгорга айлантиради, бир чета хирмон каби ғумай ва ажриқларни йиғиб, бир қишлик ўтинни ҳам олади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**КИШЛОВ** 1 қишламоқ фл. иш оти.

2 Чорва молларининг қишлаб қолган еридаги боқувни. Чўпонлар чорва қишлоқнинг .. намунали ўтишига эришайтирлар. Т. Хушназаров, Адирлар бағрида.

3 Қишлар ёки чорва моллари қишлайдиган, қишда яшайдиган жой. Қишловларга ем-хашак етказиб бериш. — У .. саҳроий халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни севади. Ойбек, Навоий.

**КИШЛОВЧИ** қишламоқ фл. иш оти.

**КИШЛОҚ** Аҳолиси қўпинча қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланувчи пункт; посёлка. Обод қишлоқ. Қолхоз қишлоғи. Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Қишлоқ хўжалиги институти. — Эски қишлоқни янги, маданий социалистик қишлоққа айлантириш керак. Уйғун, Навбахор.

**КИШЛОҚИ** 1 с. т. эск. Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқча ҳаёт кечирадиган, шаҳарга хос муомала ва бошқаларни билмайдиган. Бу кишининг қўлатиқбардорлари бир қишлоқ муллавачча эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. У [Мирзакаримбой] ҳозиргина ёдига олган қишлоқ Хушрўйибини ҳам, кутилмазан вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқ жиянчани ҳам унутган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Гапининг қўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқлар уни Сали совуқ деб атадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кам қўлл. айн. қишлоқлик.

**КИШЛОҚЛИК** Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқда яшайдиган. Отақул? Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми? П. Турсун, Ҳўрғувчи. Бу ерда битган тартеванинг таърифи бутун дунёдан ҳам кўра, айниқса шу қишлоқлик катта бой Миржалол қуруққа мағлум экан. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

**КИШЛОҚЧА** Қишлоқча, қишлоқ ҳаётига, қишлоқ кишиларига хос бўлган. Шаҳарлик катта бир одамнинг олдига иртиқ ва кирланган қишлоқча

қийими билан қандай бориб кира олардим. Айний, Эсдалиқлар. [Йўлчининг] сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилиқ .. унга [бойга] жуда ёқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИШЛОҚЧИЛИК** Қишлоқ шаронти ва унга хос одатлар, муносабатлар, муомалалар. Элмурод нонга қўй узатди. Олахўжа унинг оқлигини сезгандай, нон кавишб туриб гапирди: — Қишлоқчилик .. Бу ерда ошхона деган гап йўқ. П. Турсун, Ҳўрғувчи.

**КИЯ** 1 от Бир томони баланд, бир томони паст жой, бир томони юқори кўтариладиган ер; қиялик, ўр. Карвонни ҳоритар йўлнинг қияси. «Алпомиш». | Тоғ, тепалик ёнбағри. Қийғир деган қуш ўлатирар қияда. Бундай сулув йўқдир ушбу дунёда. «Ёлгор».

2 от Қийғоч очилган нарсаларнинг оралиғи, тирқиши. Эшикнинг қиясидан қарамоқ. — Чодир пардаси қиясидан амирнинг кўзи биринчи марта қўлида бургут қўндирган Ҳайдар мерганга тушиди. Жўрабоев, Мулла Б. м.

3 сфт Бир томони баланд, бир томони паст; оғма, нишаб. Қия ер. Қия йўл. — Аксари қия жойлардан доvon ошиб бориладиган Қайнар йўли ҳозир от-арава учун ёпиқ. С. Анорбоев, Оқсой.

4 сфт Қийғоч очилган, сал очилган, сал очик. Қия эшикдан қарамоқ. | Эшикни қия оқмоқ. Сандиқ қопқоғини қия қилиб кўтармоқ. — Хотин тўхтади ва йигитга қараб бетидига чашм бандини қия очди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қиз қия қолган эшикни секин зичлади-да, ўйланиб йигитнинг кетидан қараб қолди. А. Қаххор, Сароб.

5 сфт Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. Қия хат. Қия ёлғир. | Ариза тепасига қия қилиб ёзилган резолюция. Рўмолни қия ўрамоқ. Чопонни устига қия ташлаб ётмоқ. — Қия тушайтган қуёш нуридан унинг текис таралган сочи ҳам .. товланиб турарди. П. Кодиров, Уч илди. Қия ўтирган Ҳаётнинг .. бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар .. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эрта-индиноқ Холтожон тракторга қия мишиб, Ҳаётхонга баланддан қарайди. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. **Қия қарамоқ** (ёки боқмоқ) 1) кўз қири билан қарамоқ, қайрилиб қарамоқ; Шербек билан сипо кўришиди-да, бош ҳисобчи Саидғозига ер остидан қия боқди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) бир назар ташламоқ, илтифот қилмоқ, назар-писанд қилмоқ. Тушимда энам .. йўл ўртасида қия боқмай кетяпти. Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўчма ишончсизлик билан қарамоқ, ишонмаслик. Қолхозга буювчи қия қараган одамлар эртага қолхозчи бўлишига аминман. А. Қаххор, Қўшчинор.

♦ **Қия бўлмоқ** (ёки бўлиб кетмоқ) с. т. қилмишига яраша жавобгарликка тортилмоқ. Акт Ҳақими акамлар-

нинг қўлларидан нарига ўтмасин. Сал нарига ўтса борми, қия бўлганимиз ўша деявертин, хўжайин. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

**ҚИЯЛАМА** Бир томони баланд, бир томони паст; қия, нишаб. Қиялама йўл. Қиялама адир. — Бағзилар қўшиб кетиб, қиялама ердан оғиб тушай деди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. Қўшининг қиялама нури. Қиялама ёмғир.

**ҚИЯЛАМОҚ** 1 Қўндаланг кесмай, қиясига, бурчакма-бурчак йўналмоқ. Қўндаланг қиялаб ўтмоқ. Қиялаб кесмоқ. | Ётиқ, оғма равнишда йўналмоқ. Ёмғир қиялаб ёғмоқда. — Уфқни қиялаб борувчи куз қўёши тикка кўтарилмай, тоғлар орқасидан ўтаркан, кун жуда тез кеч бўлиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Сал очмоқ, қийғоч қилмоқ. Унинг диққатини шу чоқ эшикни қиялаб мўра-лаётган болалар тортиди. П. Турсун, Уқитувчи. Рўмолини қияламоқ рўмол билан юзини ярим яширмоқ. Майна шошиб рўмолини қиялади ва секин эшик томонга кўз ташлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ Қиялаб ўтмоқ четлаб, чап бериб ўтмоқ.

**ҚИЯЛАНМОҚ** қияламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Эшик қияланганича қолди. Унг тарафдаги сўқмоқ яйлов томон қиялиб кетган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚИЯЛАШМОҚ** қияламоқ *фл. орт. н.* **ҚИЯЛАШМОҚ** қияламоқ *фл. бирг. н.* Зарли рўмол ўрашганлар, Урагани ярашганлар; Қиялашиб қараганлар, Юринглар Чамбил кетамиз. «Равшан».

**ҚИЯЛИК** 1 қия 3—5 с. белги оти. Йўлнинг қиялиги. Эшикнинг қиялиги. Қиялик бурчаги.

2 Бир томони баланд, бир томони паст ер; қия, ёнбағир, ўр. Тик қиялик. Қияликдан юриб юқорига чиқмоқ. — Туман ичида қияликдан Почтаев тушиб келаётган эди. А. Мухтор, Туғилниш.

**ҚИЯМА** Қия ер, қиялик. Қиямада сирпанчиқ отмоқ. — Чигит ердан энди униб чиққанда, мурғак гўзани сел саалаб кетди. Қиямаларни сув ялади. М. Қўшоқов, Орзу.

**ҚИЯСИГА** рви Қия йўналишда, қиялаб. Йўлни қиясига кесиб ўтмоқ. Қиясига қараб юқори кўтарилмоқ.

**ҚИЯЧИЛ** фольк. Қияликларда, адир, тоғларда чаққон юрадиган, аб-жир. Илон сутин бердим ман, Илон турли келсин деб. Алқор сутин бердим ман, Кўп қиячил бўлсин деб. «Хуш-келди».

**ҚИҚИЛЛАМОҚ** с. т. Қиқирламоқ. У қиқиллаб кулди.

**ҚИҚИР** тақл. с. Паст товуш билан томоқдан кулганда чиқадиган кулги товуши ҳақида. Тўртта бола кўчада қиқир ... қиқир. «Санларга нима жин урди?» — дедим. Шодиқул, Яширин гаплар.

**ҚИҚИРЛАМОҚ** Паст товуш билан

томоқдан кулмоқ, «қиқир-қиқир» кулмоқ. Обиджон, худди биров қитиқлаётгандай, қиқирлаб: — Сатторкул акамни бопадилар,— деди. А. Қаҳор, Қўшчинор. Утирганлардан кимдир қиқирлаб кулиб қўйди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ҚИҚИРЛАШМОҚ** қиқирламоқ *фл. бирг. н.* Мулланинг бу сафсаталарига аскарлар қиқирлашиб кулмоқда эдилар. Айний, Куллар.

**ҚИҚИР-ҚИҚИР** қиқир с. тақр. Қиқир-қиқир кули. — Теримчилар ўзаро нималарнидир пичирлаб, қиқир-қиқир кулишди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**ҚИГИЛЛАМОҚ** «Қиғ-қиғ» овоз чиқармоқ, «қиғ-қиғ» сайрамоқ. Яқин ердан чуғурчиқлар қиғиллаши эшитилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚИҒ-ҚИҒ** тақл. с. Чуғурчиқ, қарқуноқ каби қушларнинг овози ҳақида.

**КОБИЛ** [а] 1 Ҳар қандай ишга қобилияти, лаёқати бўлган; қобилиятли, лаёқатли. Боринча қайтарма, болам. Кўп қобил, ўзингга ўхшаган хунарманд ўғлонларда, булар. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. || Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди. П. Турсун, Уқитувчи. Инсон—гавҳари қобил инсон ҳар нарсага қобил, ҳар қандай оғирликка чидайди каби маъноларда айтиладиган ибора.

2 Сўзга кирадиган; ювош, мўмин. Қобил бола. — Бу мунозарада ҳам мулзам бўлган Шоқир сўзни бошқа ёққа бурмоқчи ва ўзига бошқа «қобилроқ» эшитувчилар топмоқчи бўлиб: — Кулмурод, бу гапларни қўй,— деди. Айний, Куллар.

3 Қобил (эркаклар исми).

**КОБИЛИЯТ** [а] 1 Бирор ишга қобилик, яроқлилик; бирор ишни бажара, қила олиш хусусияти, лаёқати. Ишлаш қобилияти. Мудофаа қобилияти. — Вақфга оид сарой, дўқон ва тижоратхоналар ҳам даромад бериш қобилиятини йўқотган эдилар. Айний, Эсдаликлар.

2 Истеъдод, талант. Ёш Алишер ўтқир зехни, ажойиб қобилияти билан ҳаммани ҳайратда қолдирди. «Адабиёт хрестоматияси». Араббой ёмон ўқигани билан яхши ташкилотчи, катта мансабларга лойиқ қобилияти бор. П. Турсун, Уқитувчи.

**КОБИЛИЯТЛИ** 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлган, бирор иш қўлидан келадиган; лаёқатли. Ишга қобилиятли қариялар. Милтиқ кўтаришга қобилиятли кишилар.

2 Истеъдодли, талантли. Қобилиятли шогирд. — Қобилиятли боланинг овозаси кун сайин кенгроқ ёйила бошлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**КОБИЛИЯТСИЗ** 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлмаган, бирор иш қўлидан келмайдиган; лаёқатсиз.

2 Қобилияти, таланти йўқ; истеъдодсиз.

**КОБИЛЛАШМОҚ** 1 Бирор ишга қобилият, лаёқат касб этмоқ.

2 Сўзга кирадиган, ювош, мўмин бўлиб қолмоқ (болалар ҳақида).

**ҚОБИЛЛИК** қобил 1, 2 с. белги оти. Ўсимликнинг шўр ерда ҳам ўсишга қобиллиги. Боланинг қобиллиги. Жохилликдан жон чиқар, қобилликдан донг чиқар. Мақол.

**ҚОБИНМОҚ** диал. Қопинмоқ, ўрганмоқ.

**ҚОБИРҒА** айн. қовурға. **ҚОБИҚ** 1 Пўст, пўстлоқ, пўчоқ. Дарахт қобиғи. Чигит қобиғи.

2 Нарсаларнинг устини қоплаб, ўраб олган қаттиқ устки қатлами ёки пўст. Ер қобиғи. Дирижабль қобиғи.

◆ (Ўз) қобинга ўралмоқ бошқалардан, ташқи дунёдан ажралиб ўзича, ўз холича иш кўрмоқ, яшамоқ, ривожланмоқ ва ш. к.

**ҚОБОН** 1 Ёввойи чўчка, тўнғиз.

2 Эрак чўчка.

**ҚОВ** Алангасиз куйдирилган пахта, сўхта (халқ медицинасида кесилган ярага қўйиш учун ишлатилади). Ёш ҳақим кечгача қилчи ярасига қов қўйиб, малҳам суртиш, баданга санчилган ўқни олиб, боғлаб қўйиш билан оёвора бўлди. М. Осим, Қитобга ихлос.

◆ Қов қўймоқ с. т. дағл. Ишни буз-моқ, расво қилмоқ.

**ҚОВЖИРАМОҚ** 1 Сувсираб ёки иссиқнинг зўридан, гармселдан сўлмоқ, қуриб бужмаймоқ, қуруқшамоқ. Қовжирасан баре. Қовжирасан ўрт. — Адолат .. чанқаб, қовжираб турган ҳар бир гўзага қараб ачинар ва тунги суви шимириб турилаётган ҳар бир гўзани кўриб қувонарди. И. Раҳим, Чин мухаббат. | Сувсизликдан қақрамоқ, порсилламоқ, ёрилмоқ. Қовжирасан ерлар. Ҳароратдан лаблари қовжиради. — Гулханчиларнинг дала шамоли билан қовжирасан юзларига тиниқ қизиллик югуриб оловланди. Ойбек, Қутлўф қон. Суматранинг қовжирасан чўлида Оч чўрилар йиғар эди тамаки. Шайхзода.

2 Суви тортилиб қуриб қолмоқ. Тўхтаб қолган, қовжирасан булоқлар, Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишидир. Файратий.

3 Кўчма Дард, алам ва ш. к.дан куйиб адо бўлмоқ, ўртанмоқ. Шундан буён қиз айрилиқ дардида қовжирайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ Кўзи қовжиради уйқусизликдан кўзи ачишиб, қизариб, юмила бошлайди. Шу тобда Бектемирнинг қовжирасан кўзи .. илдам келаётган оғир танкка тушди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ҚОВЖИРАТМОҚ** қовжирасан *фл. орт. н.* Саратон қўёши чўл ўтларини қовжиратди. — Уруш аини йигитлик йилларимизни қовжиратиб кетди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Кўксини ёндириб турган ўт хайллариин ҳам, хотираларини ҳам қовжиратиб ташлагандек бўлди. С. Ахмад, Ҳукм.

**ҚОВЖИРОҚ** Қовжирасан, қуриган, қурушган. Йўл кимсасиз, ҳатто

эзма чигирткалар ҳам иссиқдан тинкаси қуриб қовжироқ ўтлар соясида мудраб қолганга ўхшайди. Н. Еқубов, Бўсагада. У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираб олдинга чопди. Ойбек, Қўёш қораймас. Бир ялроқдай қалтирарди қовжироқ тананг. Ғ. Ғулум.

**ҚОВЗАНМОҚ** диал. Озгина емоқ, тотинмоқ, бир оз овқатланмоқ, тамадди қилиб олмоқ.

**ҚОВЗАНТИРМОҚ** қовзанмоқ *фл. орт. н. у* [Умарқул] доимо белига нон тугеиб юрар, қачон қорни очса, йўлда ўзини қовзантириб олар эди. О. Хусанов, Хаёт ишқи.

**ҚОВЗОҚ** 1 Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қўзоқ. Мош қовзоғи. Ловия қовзоғи.

2 Маккажўхори сўтасининг пўстлоғи.

**КОВОЧАК** Пахтаси суғуриб олинган чаноқ, кўсак пўчоқлари. Қўсак чувиш машинасидан чиқарилган қовочак орасида узун-қисқа толалар милтиллаб турибди. М. Назаров, Дақиқа ва мисқол.

**КОВОҚ** 1 Палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли полиз ўсимлиги ва унинг турли шаклларда бўладиган йирик хосили. *Еввойи қовоқ*. || *Қовоқ сомса*. *Қовоқ ош*. — Бош деб хом қовоқни қўтариб юрган экансиз-да! Ойбек, Қўёш қораймас. **Дастмол қовоқ** хосили қозон сочиқ ёки мочалка ўрнида ишлатиладиган қовоқсимон ўсимлик. **Ойим қовоқ** қ. **ойимқовоқ**. **Ош қовоқ** қовоқнинг овқатга солиб пишириб ейиладиган йирик тури. **Томоша қовоқ** қовоқнинг еб бўлмайдиган, майда, ғафат зийнат учун экиладиган тури.

2 Шу ўсимликнинг хосили қобиғидан ясалган идиш. *Гулнор .. сув қовоқни олиб, булоқ томонга югуриб кетди*. Айний, Дохунда: *Қўзи тиниб, мяиси ари қамалган қовоқдек ғўнғиллади*. С. Аҳмад, Хукм. || *Игит унинг ёнига қовоқ қосада совуқ сув қўйди*. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Нос қовоқ** 1) қовоқнинг ноксимон майда нави; 2) шундай қовоқ қобиғидан ясалган нос идиш.

◆ **Бува қовоқ** *с. т.* масхарабозларнинг юзга тутадиган ниқоби. **Қовоқ калла** (ёки бош) мяиса йўқ, ақлсиз, ахмоқ. *Шуни ҳам тушунмай сўраб ўтирасанми, қовоқ бош*. Айний, Жаллодлар.

**ҚОВОҚ** II Қўз қосасини қопловчи, очилиб-ёпилиб турадиган тери. *Қовоғи шийибди*. *Қовоғини ағдариб кўрмоқ*. — *Тожийой оқсоқол қўла кўтарганларни қовоқ тағида норози милтиллаган кўзи билан текшириб турди*. II. Турсун, Ўқитувчи. **Миришабнинг осилиб турган қовоғини, юзидан томиб турган захарини кўриб, Матқовул алақандай бўлиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бодом қовоқ** қ. **бодомқовоқ**. **Қирғиз қовоқ** қ. **қирғиз**.**

◆ **Қовоғи солиқ** 1) нимадандир норози, хафа, кайфи бузуқ. *Қумуш жавоб*

*бермади, қовоғи солиқ эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма ёғса-ёғғудай, авзойи бузуқ, айниган. *Хавонинг қовоғи солиқ*. — *Қовоғи солиқ осмоннинг чехраси аста очила бошлади*. С. Анорбоев, Оқсой. **Қовоқ солмоқ** ёки **қовоқни осилтирмоқ** норозилик ёки хафалик ифодалаб хўмраймоқ. [Саодат] *бировага қулиб қараса, бировага қовоқ солади*. II. Рахим, Ихлос. **Қовоғидан қор ёғди** 1) жуда хафа, аччиғи чиққан, авзойи бузуқ. *Оқсоқолнинг қовоғидан қор ёғар, жуда жаҳли чиққан эди*. Ж. Шарипов, Хоразм; 2) баджаҳл, хўмрайган. **Қовоғини очмоқ** 1) кўзини очмоқ, қарамоқ; 2) кўчма чехрасини очиб қарамоқ, қулиб боқмоқ. *Ўзи ҳам, онаси ҳам бир оғиз гапирмаса, бир мартагина қовоғини очиб қарама-са-я!* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ҚОВОҚ** III *айн.* **қовоқхона**. *Шариф Сулаймон ҳозир бирон қовоқда, эҳтимол мажлис ўтказаятгандир*. Ойбек, Нур қидириб.

**ҚОВОҚГУЛЛИЛАР** *бот.* Қовоқ, қовун, тарвуз, мочалка каби палак отиб ўсадиган ўсимликлар оиласи.

**ҚОВОҚ-ДИМОҒ** Кайфият, авзо. **Қовоқ-димоғига қарамоқ** бировнинг хошия билан ҳисоблашмоқ; бировнинг кайфиятига, кўнглига қараб иш тутмоқ. *Икки хотиннинг қовоқ-димоғига қараб, жанжаллариға қози бўлиб, бошим қотди, деб кўрққан эдим*. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚОВОҚ-ТУМШУҚ:** **қовоқ-тумшугини осилтирмоқ** *айн.* **қовоқ солмоқ** қ. **қовоқ** II.

**ҚОВОҚХОНА** *с. т. эск.* Спиртли ичимликлар ичиладиган паст разрядли майхона. *Масжиднинг ёнгинасида пиво, вино сотадиган қовоқхоналар бор*. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Вильгельмитрассегга келиб .. бир қовоқхонани кўриб, икки кружкагина пиво ичадиган бўлди*. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚОВОҚХОНАЧИ** *с. т. эск.* Қовоқхона эгаси ёки сотувчиси.

**ҚОВОҒАРИ** Арининг заҳарли йирик тури.

**ҚОВУЗ** 1 Доннинг пўсти. *Тариқ қовузи*.

2 Ичига кўпинча тариқ пўсти солинган бешик тўшаги. *Орқасига қаттиқ қовуз ботган гўдак, чинқириб-чинқириб йиғлайди*. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

**ҚОВУЗЛОҚ** *айн.* **қовуз** 2.

**ҚОВУЗ(Ҳ)ОҚ** *айн.* **қовуз** 2.

**ҚОВУН** Қовоқгулликлар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг хосили. || *Ширин қовун*. *Қовун пайкали*. *Қовун сайили*. *Қовун уруги*. *Бир тилик қовун*. *Қовун есанг, сахар е, сахар емансанг, захар е*. Мақол. || *Қовун полиз*. — *Қовунга қаранг*. *Ҳар бири туянинг калласидай*. *Жуда сараланган*. Ойбек, Қутлуг қон. **Қовун қапа** қовун полиз ёнига қурилган қапа, чайла. *Иқбол кун бўйи қизлар билан қолҳозининг ниёзини ўтаб, кеч пайт қовун қапага*

*қайтди-да, апил-тапил ювиниб, овқатлангач, шоти билан томга чиқди*. С. Абдулла, Иқбол.

**ҚОВУНХҲҲҲ** Қовунни яхши кўрадиган, қовунни кўп ейдиган. *Қовунхўр одам*. || *Госпиталь бозорига кирариварида қовунхўрлар хўл мева расталарида қовун сўйиб ейишмоқда*. Р. Исҳоқов, Қовун ширин-ку.

**ҚОВУНХҲҲҲҲҲ** 1 **қовунхўр** *с. белги оти*.

2 Тўйиб, мириқиб қовун ейиш. — *Оқтепадан келяисизми? — Ҳа,— деди у [шофёр] Аминжон узатган чойдан хўлаб*. — *Қовунхўрликданми?* Мирмуҳсин, Чинқиш. *Уч-тўрт кун шу ерда қолиб, қовунхўрлик, паловхўрлик қилмасак, жуда чарчаб кетдим*. Х. Шамс, Характеристика.

**ҚОВУНҚОҚ** Тилиб-тилиб қуририлган қовун. — *Чой ичмасдан қаёққа кетасизлар? — деди кампир шкафдан нон, қовунқоқи олиб*. Х. Назир, Тошоша.

**ҚОВУРДОҚ** *айн.* **қовурма**. *У кунги кўзиқорин қовурдоғи гўшт қовурдоғидан ҳам тамлироқ туйилди*. Айний, Эсдалиқлар.

**ҚОВУРИЛМОҚ** **қовурмоқ** *фл.* ўзла ва мажх. *н.* **Балиқ** яхши қовурилади. *Қовурилган картошка*. — *Шу кунни қозонда гўшт-ёғ қовурилади*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Низомжон муҳаббат билан номус ўтида қовуриларди**. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚОВУРИШМОҚ** **қовурмоқ** *фл.* **бирг. н.** *Гўштни бошлаб сели билан қовуришибди*.

**ҚОВУРМА** 1 *от* Гўшт ҳамда картошка, пиёз ва бошқа сабзавотлардан қовуриб, озроқ сув қўйиб димлаб пишириладиган қуюқ таом; қовурдоқ. *Икки катта товоқда қовурма олиб чиқилди*. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 *сфт* Қовуриладиган, ёғда қовуриб пишириладиган; қовурилган. *Қовурма чучвара*. — *Момга беринглар қовурма гўштини*. «Ширин билан Шакар». **Қовурма палов** қ. **палов**. **Қовурма шўрва** қ. **шўрва**.

**ҚОВУРМА** 1 Қизиган ёққа солиб пиширмоқ. *Балиқ қовурмоқ*. *Картошка қовурмоқ*. — *У бир қошиқ ёғни қозонга солиб, пиёз қовурди*. Ойдин, Гулсанам.

2 *кўчма* Исканжага олиб қаттиқ сиқмоқ, коймоқ, таъбирини бермоқ; жазоламоқ. *Авзойидан ҳозир ячейка қотибини чақириб тоза қовурадиган кўринар эди*. А. Қаххор, Сароб.

3 *кўчма* Ўтдай қуйдиrhoқ, ўртантиrhoқ, ўртамоқ. *Яна ўша қалбни бир умр асир этиб алдаб доғига қовурган гўзал бир сиймо, соҳира қиз [Аҳмаджоннинг] кўз олдига келди*. Ф. Насриддинов, Кўнғил.

**ҚОВУРТИРМОҚ** **қовурмоқ** 1, 2 *фл. орт. н.* *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёндириш билан машғул бўлди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚОВУРҒА I** *анат.* Умуртқадан чиқиб кўкрак суягига эгилиб келадиған, кўкрак қафасини ташкил қиладиган ёйсимон энсиз суяқ. *Мана, уринг, синдириңг қовурғамни! Кўрқмай қўя қолинг, арз қилмайман.* А. Қахқор, Асрор бобо. **Етим қовурға** кўкрак суягига келиб ёпишмаған қисқа қовурға. *Инсоннинг етти жуфт чин қовурғаси, беш жуфт етим қовурғаси бўлади. Қовурғаси кўрини (ёки саналиб) қоллиб жуда озиб кетибди.*

**2 кўйма махс.** Нарсаларнинг мустақам тутиб туриш учун хизмат қиладиган қисми. *Поршеннинг қовурғалари.* | Нарсаларнинг ёнма-ён бириктирилган узун-узун қисми. *Панжаранинг қовурғалари.* — *Кўёи қиздираётган аллеялар бўи, скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтирайди.* П. Қодиров, Уч илди.

◆ **Қовурғаси букилмаган (ёки синмаган)** яп-янги, ҳали тугилмаган, эзилмаган (қоғоз пул ҳақида). *Ҳаким акамларнинг қўнтақларига қовурғаси синмаган червонларни .. туширдим.* Б. Рахмонов, Хўжайин кўчди. **Қовурғаси қайишди қ. қайишмоқ 4.**

**ҚОВУШИҚ(ЛИ)** Бири иккинчисининг устига қўйилган, қовуштирилган (икки қўл ҳақида). *Унинг қўли доим кўксиди қовушиқли эди.*

**ҚОВУШМА** *махс.* Бир қанча зарраларнинг, бўлақларнинг ўзаро қовишувидан ҳосил бўлган нарса. *Тупроқ қовушмалари. Кум қовушмалари. Тупроқнинг жуда зич, ғовак ва сочилма қовушмалари кўп учрайди.*

**ҚОВУШМОҚ I** Бир-бирига ёпишиб, бирикиб, уляниб бир бутунлиқни ташкил қилмоқ, қўшилмоқ, туташмоқ, ёпишмоқ. *Чуваланган бўйра устида пахтаси аранг қовушиб турган кўрпачи. Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ «емаган» жувон, бахтиёр кампир. Қўша қари-моққа муҳр бўлади Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум. Ф. Ғулوم.*

**2** Қўшилмоқ, жуфлшмоқ. *Боягидан бирмунча кучая тушган шамол гулли гулга қовуштириб, гуё бу икки ёшга: «Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовушинг» дегандек кўринар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**3** Иттифоқ, ҳамжиҳат бўлмоқ; бир-бирига монанд иш тутмоқ. *Улар бош-бошига қовушмайди.* — *Қовушмагандан кейин албатта қўлимиздан ҳеч иш келмайди-да.* А. Қахқор, Сароб.

**4** Бир-бирига монанд, мувофиқ келмоқ, мос тушмоқ, уйғунлашмоқ, ёпишмоқ. *Сухбат қовушмасди.* У [Саодат] қоғоз олиб, пленумда гапирадиган сўзларини ёзмоққа киришди. Аммо сўз сўзга, гап гапга қовушмади. И. Раҳим, Ихлос.

**5** Бирор доирада, мухитда ёки ҳолатда ўзини эркин ҳис этмоқ, эркин тутмоқ. *Танчада қовушиб ўтиролмайди.* — *Бугун сизнинг олдингида худди бегонадай, қовушмай, турганимга хафаман, Фотима!* П. Турсун, Уқитувчи. *Болалар яна интизор бўлишиб куттишди,*

*қовушмай кечагидай жимгина ўтириб оватланишди.* С. Абдуқаҳор, Кўзлар.

**6** Бирор ишни бажаришда тўғри ва чакқон ҳаракат қилмоқ. *Ишлаб юрган одам ҳар қандай ишга дарров қовушади. У ҳеч ишга қовушмайди.*

◆ **Қўли қовушмайди** ўрганмаганликдан ёки совуқдан, қарахликдан қўли ишга яхши келмайди, қўли келишмайди.

**ҚОВУШОҚ** *махс.* Юқори қовушқоқлик ҳоссасига эга бўлган; қовушқоқ, ёпишқоқ. *Қовушқоқ мой.*

**ҚОВУШОҚЛИК** *махс.* Суюқлиқнинг ўз зарраларининг бир-бирига нисбатан силжишига, оқишига қаршилик кўрсатиш қобилияти. *Мойнинг қовушқоқлиги.*

**ҚОВУШТИРИЛМОҚ** *қовуштирмоқ* *фл. мажж. н.* *Кўрғон беги(си) отдан ерга тушиб, жиловини қовуштирилган қўллари орасига олди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОВУШТИРИШМОҚ** *қовуштирмоқ* *фл. бирг. н.* *Раис ахборот берар экан, настанд лўлма ташлаб, унинг гапини гапга қовуштиришмади.* С. Аҳмад, Ходивой.

**ҚОВУШТИРМОҚ** *қовушмоқ 1—4* *фл. орт. н.* *Тарих қовуштирди бизнинг ерларни. Шайхзода. Қолхоз туздиқ. Унга ҳам .. Бузрукхўжанинг ўзи бош бўлиб, деҳқонни аҳил оилага қовуштирди.* Э. Зоҳидов, Ота ўғли.

◆ **Бошини қовуштирмоқ 1)** ҳамжиҳат қилиб бирлаштирмоқ, уюштирмоқ. *Комилжонга итбат қилишга Умаралининг бўйни ёр бермаётган бўлса керак .. Комилжонга оғир. Уларнинг бошини қовуштириши керак.* И. Раҳим, Ихлос; **2)** бир-бирига уйлантириб қўймоқ. *Қўшилар биралликда тўй қилиб, икки ёшининг бошини қовуштириб қўйишди.* С. Абдуқаҳор, Кўзлар. **Қўл(ини) қовуштирмоқ 1)** қўлни, беш панжани бирин-устун кесиштирган ҳолда тутмоқ. *Миришад одамларидан бири аввал хатирчилик бандининг қўлини олдига қовуштириб боғлаб пешбанд қилмоқда эди.* Айний, Қуллар. *Тожибой .. узун енглари ичидаги қўллари қорни устига қовуштириб, букилиб ўтирди.* П. Турсун, Уқитувчи; **2)** бировларга хурмат, эҳтиром юзасидан шу вазиятда турмоқ, қуллуқ қилмоқ. *У дарвозадан, суғага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан: «Ассалому алайкум»,— деди.* Ойбек, Қутлуг қон; **3)** кўйма иш қилмасдан келкайиб, қаққайиб қараб турмоқ. *Очил бригадирман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

**ҚОВУШҚОҚ** *Қовушқоқ, ёпишқоқ.*

**ҚОВУҚ I** *анат.* Сийдик пуфаги.

**ҚОВУҚ II** Чақмоқ суртиб унинг учқунидан ўт ёқиш учун қилинадиган махсус пилик, пилта. *Киши Отабекни ўтқиғач, тоқчадан сопол лаган билан*

*қовуқни олиб чақмоқ суртди. Шам ёқилди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**КОВҒА I** *диал.* Ёғоч пақир.

**КОВҒА II** Ичи ғовак ва юмшоқ, бардига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик; қўға (одатда бўйинча ясаш, қовун осиб сақлаш учун ишлатилади).

**КОДИР [а]** **1** Бирор ишга кучи, қудрати етадиган; қудратли. *Озод халқ, бахтиёр халқ, ҳар бир ишга қодир халқ.* Э. Раҳим. | Бирор ишга моддий имконияти етарли бўлган, қурби келадиған. *Кўп оталар шу жузъий ёрдама ҳар ҳафт уч тийин, беш тийин беришга қодир эмаслар.* Ойбек, Қутлуг қон.

**2** Қодир (*эркақлар исми*).

**ҚОЗИ [а]** *тар.* Утмишда шарият қонуни бўйича иш кўрган амалдор шахс. [Тўрақон:] *Индаб қаерга бораман? Қозига арз қиламанми? М. Исмоний, Фарғона т. о. Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилган, унинг устидаги жазо кўп тартилади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОЗИБОЗ [а+ф-т]** *эск.* Қозибозликни яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилаверадиган одам.

**ҚОЗИБОЗЛИК I** *қозибоз с. белги оти.*

**2** Бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилиб, ҳақ-хуқуқ талашиш, довлашиш. *Қозибозлик қилмоқ.* — *Қозибозлик бошланди — поракўрлик.* Ғ. Расул, Адолат.

**ҚОЗИВАЧЧА [а+ф-т]** *с. т.* Қозизода. *Мулк ерларнинг кўпи .. қозиваччалар ва мутаваллилар деган икки хонадоннинг қўлида тўпланган эди.* Айний, Эсдалиқлар.

**ҚОЗИЗОДА [а+ф-т]** Қозининг фарзанди; қозилардан тарқалган, қозиларга мансуб киши.

**ҚОЗИКАЛОН (тўғриси қози калон)** *қ. калон.*

**ҚОЗИЛАШМОҚ** *эск.* Қозига арз қилиб ҳақ-хуқуқ талашмоқ, довлашмоқ. *Қозилашган қариндош бўлмас.* Мақол.

**ҚОЗИЛИК I** *қози с. касб оти.* *Қурбонийёз тоғам, қози Абдулвоҳид қозилигини ташлаб кетгандан кейин мулозимликни тарқ қилиб, пахтакашликка киришган.* Айний, Эсдалиқлар.

**2** *с. т.* Орага тушиб кимсалар ўртасидаги жанжални бартараф қилиш; ҳакамлик. *Студентлар онгли одамлар бўлгани учун, деҳқонлар уларга шионар,.. жанжалли масалалар чиқиб қолганида қозиликка чақиришар эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҚОЗИХОНА [а+ф-т]** *тар.* Шарият қозисининг идораси, маҳкамаси. *Маҳкамани билмасам, қозихонани билмасам, [арз учун] қаерга бораман.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Ота гўри қозихонми?** *қ. гўр.*

**ҚОЗИҚ** *Ерга қоқиш учун мўлжал.*



ланган ёки қоқилган учи ўткир ёғоч ёки темир. *Ёғоч қозиқ. Темир қозиқ. Чеғара қозиғи. Ерга қозиқ қоқмоқ. Қоққан қозиқдай қаққайиб турмоқ. Отни қозиққа боғламоқ. Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи. Мақол. — Қирғоққа яқин ерда тўрт қозиқ устида қаттақон бир қайиқ турар эди. А. Қахҳор, Хотинлар. Қоққанда қозиқ, оғанда хурмача (ёки чўмич) қолмади ёки қоққани қозиқ, оғани хурмача қолмади ҳеч нарса(си) йўқ, қип-яланғоч, шип-шийдам. Уйимда қоққани қозиқ, оғани хурмача ҳам қолмади. Х. Турсунқулов, Хаётим қиссаси. | Қийим, нарса иладиган мослама. Пальтони қозиққа илмоқ. || Қозиқ лунги зийнат учун қозиққа осиб қўйиладиган гулли безак буюм. Қозиқ рўмол диал. айн. қозиқ лунги.*

◆ **Олтин қозиқ айн. Кутб юлдузи қ. кутб 1.**

**ҚОЗИҚҚУЛОҚ** Энсиз узун баргли бир йиллик ёввойи ўт.

**ҚОЗОН** 1 Овқат пишириш ёки сув иситиш учун белгиланган қўйма чўян идиш. Декча қозон. Маҳалла қозон. Қозонда бўлса чўмичга чиқади. Мақол. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар. Мақол. Епиқли қозон — епиқли қ. епиқли 1. Қозон кабоб ўз сели билан қозонда димлаб пиширилган гўшт. Меҳмонлар жуда усталик билан пиширилган қозон кабобини иштаҳа билан еб, устидан бир қосадан «қобили шўрванни ичиб оғир нафас олишар эди. Ойбек, Кутлуғ қон. Қозон осмоқ 1) қозонни ўчоққа ўрнатмоқ. Хадича хола .. қозон осилган ўчоқнинг олдига қумғон қўйди. А. Қахҳор, Қўшчинор; 2) қўйма иссиқ овқат пиширмоқ. — *Онаси! — деди Матқовил ўзида йўқ қувониб: — Пича ун топиб келсам, қозон оссақ, қалай бўлар экан-а? М. Исмоилий, Фарғона т. о Қозон қайнатмоқ 1) айн. қозон осмоқ 2. Қозон қайнатилган сувдан бошқа нарсалар керак бўладими? Ё ошқовоқдан мой чиқар-сакмикан? Ойбек, Кутлуғ қон; 2) рўзғор тебратмоқ. Қозонни сувга ташламоқ (ёки ташлаб қўймоқ) иссиқ овқат қилмай, иссиқ овқатсиз кунни ўтказмоқ. [Уста Фарфи:] Қозонни сувга ташлаган кунимиз жанжал. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 *тех. Буг ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган махсус ёпиқ қурилма. Буг қозон. Юқори босимли қозон.*

**ҚОЗОНИЛМОҚ** қозонмоқ *фл. мажҳ. н. Жангда қозонилган ғалаба.*

**ҚОЗОНМОҚ** Қўлга киритмоқ, эришмоқ; сазовор бўлмоқ. Ғалаба қозонмоқ. Муваффақият қозонмоқ. Обрў қозонмоқ. Бировнинг ишончини қозонмоқ. — *Зор қишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг хўрматини қозонган эди. С. Аҳмад, Хукм.*

**ҚОЗОН-ТОВОҚ** 1 Овқат пишириш ва ейиш учун ишлатиладиган идиш-оёқ. Тракторлар қирга энди кўтарилган бош-лағанди орқадан қозон-товоқ ортилган

«ЗИС» етиб келди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 *қўйма Уй-рўзғор ишлари. Агроном ерини ҳайдаб, пахтасини тееравермай-дими? Қозон-товоққа аралашиб нима қилади! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Бизда ўз оиласига, бола-чакасига, қозон-товоғига ёпишиб олган хотинлар бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ҚОЗОНХОНА** *тех.* Қозон ўрнатилган хона ёки алоҳида бино. *Завод қозонхонаси.*

**ҚОЗОНЧА** 1 Қичик қозон, декча.

2 Овқат ейиш, ўрни билан овқат пишириш учун хар бир солдат ўзи олиб юрадиган пақирчасимон идиш. — *Қўя-вер, қозончанг балога қалқон бўлибди, — деди Бектемир илжайиб. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ҚОЗОНЧИ** 1 *эск.* Қозон қуювчи; дегрез. Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса. Мақол.

2 *тех.* Қозонга қаровчи, қозонхонада ишловчи ишчи, мутахассис.

**ҚОЗОҚ** *қ. қозоқлар. Қозоқ халқи. Қозоқ тили.* || *Қозоқ аёл.*

**ҚОЗОҚИ** Қозоқларда бўладиган, қозоқларга хос бўлган; қозоқча. *Қозоқи киғиз. Қозоқи чакмон. — Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳа деб ивоқин солар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**ҚОЗОҚЛАР** Қозоғистон ССРнинг туб аҳолиси туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қозоқ халқи.

**ҚОЗОҚЧА** 1 Қозоқларга, қозоқ тили адабиёти ва маданиятига оид. *Қозоқча куй. Қозоқча кийим. Қозоқча сўз.*

2 Қозоқ тили. *Сиз қозоқча(ни) тушу-насимми? || Қозоқча гапирмоқ.*

**ҚОИДА** [а] 1 Турли ходисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ифодаловчи, маълум система, амал ва ш. к.нинг асосини ташкил этувчи тартиб; қонун. *Сўз ясаи қоидалари. Илдиш чиқариш қоидаси (мат.) Параллелограмм қоидаси (тех).* | Бирор иш-харакатнинг қандай бажарилиши кераклиги ҳақидаги расмий кўрсатма, йўл-йўриқ ёки умум томонидан қабул қилинган тартибот. *Агротехника қоидалари. Гигиена қоидалари. Қўча ҳаракати қоидалари. — Қомандир отиши қоидасини бир-бир сўраб чиқди. Шухрат, Шинелли йилар. Қомандир ротани бутун қоидага мувофиқ тартиб билан йўлга солди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.*

2 *Расм, одат. Қадимдан қолган қоида. — Қамишқапаликлар одамларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрадилар. Шу қоидага мувофиқ, кул ранг кўкиш кўзли зшонни ҳамма катта-кичик «Зағча кўз домла» деб атади. П. Турсун, Уқитувчи. Энди у бутун қоидага мувофиқ тўйларга, азаларга, туғуриқларга бориб келади. Ойбек, Кутлуғ қон.*

**ҚОИДАЛАШМОҚ** Қоида ҳолига келмоқ, қоидага айланмоқ, қонда бўлиб қолмоқ. *Қоидалашиб қолган тартиб-интизом.*

**ҚОИДАЛАШТИРИЛМОҚ** қоидалаштирмоқ *фл. мажҳ. н. Ўзбек халқ кураши янгиша қоидалаштирилди.*

**ҚОИДАЛАШТИРМОҚ** қоидалашмоқ *фл. орт. н. Қўйма сўзлар имлосини қоидалаштирмоқ.*

**ҚОИМ** [а] *кт.* 1 Тик, тикка. *Елкамда сочиқ, қўлимда супури, .. хизматда қоим турганимда, намоз тамом бўлди. Ғ. Ғулум, Шум бола.*

2 *қўйма Барқарор, муқим; мустаҳкам. Бу меники, менинг саройим. Кўринг: бунда мен ўзим қоим. Шайхзода. || Бу дунёда азият чекинг, зулм қилса, ишаклик билан қоим туринг. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

◆ **Қоим мақом** ўрнига турувчи, ўрнини босувчи; ўринбосар.

**ҚОЙИЛ** [а] 1 Завқланиб ёки тан бериб офарин ўқишга, тасанно айтишга арзирли. *Қойил иш. Қойил одам. — Белим қисиб қовурғамни иширдинг, Дўстим сенинг зўрлигингга қойилман. «Алпомиш». Ер юзи қойил ҳаммиша мард советлар халқига. А. Пўлат. Қойил қилмоқ 1) ишни ўрнига қўйиб завқ бағишламоқ, махлиё қилмоқ, хайратга солмоқ, тан беришга мажбур қилмоқ. Зағчақўз .. бир мисол билан ҳаммани қойил қилмоқчи бўлди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) маҳорат билан бажармоқ, ижро этмоқ, ўринлатмоқ, ўрнига қўймоқ, бошламоқ. [Марасул:] Холам русчани ҳам қойил қиладилар. А. Қахҳор, Оғриқ тиллар. Қойил қолдирмоқ айн. қойил қилмоқ 1. Қойил қолмоқ (ёки бўлмоқ) завқ олиб ёки тан бериб офарин ўқимоқ, тасанно айтмоқ. Совет фанининг ғалабаларига бутун дунё қойил қолмоқда. — Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаи бир карчини оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 *унд. с. Офарин, тасанно. — Қойил! — Қомил ўтирган ерида чапак чалиб юборди. — Ишончингизга қойил, бек афанди. Ҳ. Ғулум, Машғал.} кест. Балли, шу ҳам иш бўлдим. Қойил-э! Чоғимда пайшанба пули ҳам, супури пули ҳам, бўйра пули ҳам олмаса керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҚОЙИЛЛАТМОҚ** *с. т.* 1 Маҳорат билан бажармоқ, ижро этмоқ, ўрнига қўймоқ, ўринлатмоқ, бошламоқ. *Уни [Аҳмедовни] қаерга юборманг, ишни қойиллатади. О. Ҳусанов, Зарафшон заршунослари. Раҳим, ҳар қадамда Аҳмадан туртки еб тура ҳам, тишини-тишига қўйиб ўз вазифасини қойиллатиш ҳаракатида эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Бажармоқ, ўринлатмоқ. *Йигирма йил бригадирлик қилдим, йигирма йил ҳам пахта экиб, планни муттасил қойиллатиб келдим. С. Қодиров, «Фарход»дан «Ширин»гача. Хайрулла, табриклайман, буғун уч нормани қойиллатибсан! С. Қодиров, Нурак нурхонаси.*

**ҚОЙИЛМАҚОМ** [а] *с. т.* Қойил қолса арзирли, кишини қойил қолди-

радиган; ажойиб. Қойилмақом иш. Қойилмақом рақс. Қойилмақом кийим. Қойилмақом қилмоқ айн. қойил қилмоқ 2 қ. қойил 1. Киройи бригадир бўлса, Қомилжондақа бўлсин. Тўртинчи чотиқни ҳам мuddатидан олдин қойилмақом қилворди, дейишаётқибди. Уйғун, Хаёт қўшиғи.

**ҚОЙИМ** [а] айн. қойм 1. **ҚОЛГАН-ҚУТГАН** Ортиб ёки чиқитта чиқиб қолган; қолдиқ. Қолган-қутган нарса. Қолган-қутган овқат. || Қолган-қутганини йиғиштирмоқ.

**ҚОЛДИРИЛМОҚ** қолдирмоқ фл. мажх. н. Маълис қолдирилди. — Онаси бир чеккада қолдирилса, эҳтимол пухта иш қилмаган бўлармиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОЛДИРИШМОҚ** қолдирмоқ фл. бирг. н. Ёш қизларни оталари уриб-сўкиб уйда қолдиришди. С. Ахмад, Хукм.

**ҚОЛДИРМОҚ** қолмоқ 1—11 фл. орт. н. Қитобни мактабда қолдирмоқ. Болаларни уйда қолдирмоқ. Сут учун пул қолдирмоқ. Концерт ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Уқийшдан қолдирмоқ. Бировни қийинчиликда қолдирмоқ. Хайрон қолдирмоқ. Шахматда ҳаммани қолдирмоқ. Бугунги ишни эртага қолдирма. Мақол. — [Абдушукур] таҳсилини чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. Олгин-у, ҳеч олдирма, Ёвга омон қолдирма. Т. Тўла. Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОЛДИҚ** 1 Нарсаларнинг ортиб ёки сақланиб қолган қисми. Бузилган шаҳар қолдиқлари. Папирос қолдиғи. || Қолдиқ пул. — Душман қолдиқлари қаршилиқ кўрсатишни давом эттира бердилар. Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. | Чиқит, чиқинди. Нефть қолдиқлари. Қолдиқлардан тикилган кўйлакча. | Сарқит. Қолдиқларни молга бермоқ. || Қолдиқ овқат.

2 Йўқолиб кетган ёки ўтган, ўлиб бораётган воқеа-ҳодиса ва ш. к.дан қолган нишона, асорат. Бўлма илонда тери остида салгина бўртиб турадиган орқа оёқ қолдиқлари бўлади. «Зоология».

3 Кўча Эскидан қолган дунёқараш, расм-русм, урф-одат ва ш. к.; сарқит. Феодализм қолдиқлари. — Йиллар давомида у [Юсуфжон] бугунги авлоднинг яшашига тўсқинлик қилаётган жирканч ўтмиш қолдиқларини кулги билан фош этади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

4 мат. Бўлув амалида ортиб қолган сон, миқдор. Бега қолдиқсиз бўлинадиган сон.

5 Ортиб қолган пул, маблағ. **ҚОЛИНМОҚ** қолмоқ 1, 5, 6, 8, 9, 11 фл. мажх. н. Орқада қолнимасин. — Кудрат ажонинг ажойиб тадбири билан уч нафар гуноҳсиз ҳоким зулми-

дан қутқазиб қолинди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚОЛИП** [а] 1 Тикиладиган пойабзалнинг чичга қўйиладиган ва унинг катта-кичиклигини, шаклини белгилайдиган мослама. Ёғоч қолип. Қирқинчи қолип. Этикни қолига тортмоқ. — Унинг .. катта бошида худди қолига тортилган маҳсидай таранг турган чуст дўпписи ҳам бор эди. П. Турсув, Уқитувчи.

2 махс. Қуйма деталь ёки маҳсулотга шакл берадиган мослама. Фишт қолипи. Совун қолипи. Қозон қолипи. Қолига деталь қуймоқ. — Айвонда совунгарнинг қолипидай қотиб қолган ўрток Меҳмоноб бу сўзларни эшиттар экан, қўлини паҳса қилиб, хотинига ўқира кетди. С. Абдулла, Обруйим тўқилади.

3 кўча Андаза, шаблон. Бир қолипдаги гап. Бир қолипда қурилган иморатлар.

4 кўча Ҳад, чегара, норма. Синфда бордир бир хил Эркатоӣ, ҳаддан ошган, Шўхлиги суюқлашиб — Қолипдан ошиб — тошган. Х. Назир. Одам тақдирини ҳал қилиш учун сиёнинг қолипдан чиққан саволнинг торлик қилади. А. Мухтор, Туғйилиш.

◆ **Фишт қолип(и)дан кўчди қ. фишт.** **ҚОЛИПЛАМОҚ** 1 Қолипга тортмоқ, ичига қолип солмоқ. Этикни қолипламоқ. Туфлини қолипламоқ.

2 Қолипга солиб, қуйиб шакл бермоқ, қолипга солиб, қуйиб маҳсулот тайёрламоқ. Фишт(ни) қолипламоқ. Торфни қолиплаш саноати.

3 тех. Деталь қуйиш учун қолип тайёрламоқ. Двигатель блокларини қолипламоқ.

3 кўча Маълум бир қолипга солмоқ, маълум шаклга келтирмоқ, шакллантирмоқ. Гўё фикрни қолиплаб қуйиб олгандай сиққиқ гапирмоқ.

**ҚОЛИПЛАТМОҚ** қолипламоқ 1—3 фл. орт. н.

**ҚОЛИПЛОВЧИ** Қуймачилик цехида машина қисмларини қуйиш учун қолип тайёрловчи ишчи; формовкачи. Қуюв цехининг қолипловчилари.

**ҚОЛИПЧИ** 1 Қолип ясовчи уста. 2 айн. қолипловчи.

**ҚОЛИШМОҚ** 1 қолмоқ 1, 5, 6, 8, 9, 11 фл. бирг. н. Болалар уйда қолишди. Улар жим қолишди. — Чойхонадаги одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. А. Қаххор, Тўйда аза.

2 (ч. к. билан, фақат бўлишсиз ф-да) Қийёсан паст келмайди, бўш келмайди, ёмон эмас. Улар билим жиҳатидан бири-бирдан қолишмайди. — Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юхо чиқиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир тўп ярадор жангчилар .. соғлардан қолишмаслик учун бор кучлари билан юеуришга тиришардилар. Ойбек, Қўёш қораймас.

**ҚОЛМОҚ** 1 Ўз жойида туравермоқ ёки яшайвермоқ; бошқа жойга кетмай, бормаи, жилмай, қўзғалмай жойида туравермоқ. Уйда қолмоқ.

Биз бу йил ҳам қанилоқда қолдик. — [Қумуш:] Кетсаларингиз, хайр-хўш! — [Онаси:] Сенчи? — [Қумуш:] Мен қоламан. А. Қодирий, Утган кунлар. — Турғуной, — деди Мастон, — шу ерда қоладиган бўлсақ бўрига ем бўлаемиз. А. Қаххор, Мастон. | Йиғиштирилмай, олинмай, терилмай жойида турганича туравермоқ. Ковун-таревуз йиғиштирилмасдан далада қолиб кетди. | Турган, борган еридан нари ўтмай ёки қайтиб чиқмай туравермоқ; тқиқилмоқ. Чўпнинг учи трубканинг ичида қолди. Пўкакнинг ярми ишишнинг бўғзида қолди. — Бу хабарни эшиттар экан, еб тургани оғзида, ютани бўғзида қолди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Бирор ҳолатни сақлаб ўзгармасдан туравермоқ. Сандиқ(нинг) оғзи очилганича қолди. — Чавандозга қўл узатиб кўришмоқчи бўлди. Лекин Ерматнинг қўли муаллақ қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қутидорнинг] кўз ўнглари қоронғиланиб, бир неча вақт серрайганча қолди. А. Қодирий, Утган кунлар. 2 Ҳаракат тугамасдан, охирига етмасдан тўхтамоқ. Машина ярим йўлда қолди. Иш чала қолди. Гапи оғзида қолди. — Қиз .. нотаниш йеитини кўриб, иошиб пешанабоғи билан юзини тўсди. Қўшиғи оғзида қолди. С. Ахмад, Хукм.

3 Фойда тариқасида ёки ишлатилмай, сарфланмай, чиқит ва ш. к. сифатида ортмоқ. Беш-ўн сўм қолармикан деб шу ишни қилди. Сарф-харажатдан қолган пул. — Соли Совуқ сой бўйига солган муздай жой ҳам қолиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Масофа, вақт нуқтаи назаридан бўлмоқ, бор бўлмоқ. Шаҳарга яна ўттиз километр (йўл) қолди. Поезд жўнашига бир соат қолди. | Сақланмоқ, омон қутулмоқ. Юз ўлимдан қолганман. Ёнинг қолгани қочиб қутулди. — Саид Жалолхон қичқириб қолди: — «Қирингиз! Қуригингиз! Экиндан кўкнор, жон ваасидан тошбақа билан пашша қолса бас!» А. Қаххор, Башорат. Уғрилардан биттаси тутулди, .. қолганлари ҳам ушланур, деб ўйлайман. А. Қодирий, Утган кунлар. | (бўлишсиз ф-да) Йўқ бўлмоқ, тугамоқ, тамом бўлмоқ. Ишонч қолмади. Чарчашидан асар қолмади. Сабру тоқат қолмади. Илоҳи қолмади. Юришга мадори қолмади.

4 Мерос, ёдгорлик тариқасида кимсанин қўлига, ихтиёрига, тасарруфига ўтмоқ. Отамдан қолган китоб. — Бир иложини қилиб туғиб олинг, еру-сувиям, давлат-сарватиям болангизга қолади! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Довруқда ҳам турулмабди, онасидан қолган ўйни буздириб, ёғочини сотмоқчи бўлган экан, ҳеч ким олмабди. А. Қаххор, Хотинлар. | Ҳосил бўлмоқ, туғилмоқ. Кинодан яхши таасурот қолди. Дақёнусдан (ёки алмисокдан) қолган қ. дақёнус.

5 (ж. к. билан) Дучор бўлмоқ, гирифтор бўлмоқ, йўлиқмоқ. Балога

қолмоқ. Маломатга қолмоқ. Тухматга қолмоқ. Ташвишга қолмоқ. — У ҳам кишилар олдида бу бахтсиз қизининг таънасиға қолмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Энди сенларнинг касофатларингга мен қоламанми? М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Сурмахон:] Шу кунга қолишимга сиз сабабчи бўлдингиз, ойи. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

6 (ч. к. билан) Махрум бўлмоқ, ажралмоқ; йўқотмоқ (аъзолар, уларнинг фаолияти, қобилияти ва ш. к. ҳақида). Қўздан қолмоқ. Қўздан қолмоқ. Тилдан қолмоқ. Оёқдан қолмоқ. Бенасиб, бебахра бўлмоқ. Тўйдан қолмоқ. Фойдадан қолмоқ. Томошадан қолмоқ. — Бир яқшанба кун Иброҳимов ошхонада дежур бўлиб, уйқудан қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Куруқ қолмоқ** қ. куруқ 3. | Бирор иш, ҳаракатни бажариш ёки давом эттириш имкониятидан махрум бўлмоқ. Ишдан қолмоқ. Ўқидан қолмоқ. Паравришсиз экин ўсишдан қолди. | Бирор иш ёки ҳаракатни тўхтатмоқ, бас қилмоқ. Бир гапдан қолсанг — олам гулистон. | Бормай, таширғи буюрмай қўймоқ. У ҳеч қадердан қолмайди. Айтмаган жойга борма, айтган жойдан қолма. Мақол. | Кечикиб, улгурмай, ета олмай ёки бошқа сабаб билан ажралмоқ. Поезддан қолмоқ.

7 Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, бас бўлмоқ; тўхтамоқ, босилмоқ. Беморнинг иситмаси қолди. Оғриғи қолди. Аҳмоқни ўлди деса ишон, аҳмоқлиги қолди деса ишонма. Мақол. — [Хосият:] Сурмахон, пала-партишлигингиз сира ҳам қолмади, қолмади-да! Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. — Э, ошфатлиги қоптими? — деди бошлиқ кулиб, — аммо лекин яхши бола. С. Аҳмад, Хукм.

8 (ў.п. к. билан) Бирор ҳодисанинг бевосита таъсирида бўлмоқ. Емғирда қолмоқ. Офтобда қолмоқ. Совуқда қолмоқ.

9 Бирга, бараварига юра олмай орқада судралмоқ, ета олмаслиқ. Бола онасидан қолмай юзурди. Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесар. Мақол. | Кўчма Бирор жиҳатдан бошқаларга нисбатан орқада бўлмоқ, тенг, баравар ёки бас кела олмаслиқ. Кейин ўқиёлмади. Катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ.. Қолиб кетди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Орқада қолмоқ 1) бошқалардан кейинда юрмоқ, судралмоқ. Булар гап билан бўлиб ҳийла орқада қолиб кетишиди. А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) босиб ўтилмақ, ўтиб кетилмоқ. Шундай қилиб бўрон билан келган қийинчиликлар орқада қолиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) кўчма бирор жиҳатдан бошқаларга нисбатан кейинда бўлмоқ, бошқалар ёки замон даражасига етолмаслиқ. У мендан уч синф орқада қолди. Орқада қолган мамлакат; 4) кечикиб, секин юрмоқ (соат ҳақида). Соатим уч минут орқада қолибди; 5) (ш. ф-да) бирор кишининг вафотидан кейин умр

кўрмоқ, яшамоқ. Болаларим, илоё орқамда қолинглар.

10 Белгиланган вақтдан кейинга сурилмоқ, кечиктирилмоқ, бошқа муҳлатга кўчирилмоқ. Мажлис қолди. Тўй келаси ойга қолди. Қолган ишга қор ёғар. Мақол. — Дамба масаласи кейинга қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Юсуфбек:] Уттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш.. Бир ҳафтадан кейинга қолмасин, эмиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 с. т. Ютқизмоқ, мағлубиятга учрамоқ (ўйинда). У мендан беш марта қолди.

12 Боғли бўлмоқ, қараб турмоқ (бирор иш, масала ва ш. к. ҳақида). Ҳамма иш менда қолди. Иш пулга қараб қолди. — [Ҳожжи хола:] Ҳамма гап ўзингизда қолган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўлида қолмоқ 1) ихтиёрига, тасарруфига ўтмоқ. Бутун бойлиқ хотиннинг қўлида қолди; 2) бировнинг ҳаракати ёки хохишига боғли бўлмоқ, қараб турмоқ. Бекнинг бундан кейинги соғлиги сизнинг қўлингизда қолганга ўхшайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

13 Иш-ҳаракат номга қўшилиб, шу ишни бажариш лозимлигини, шундай вазифа, мажбурият борлигини билдиради. Ош пишиди, фақат уни сузиш қолди. — Энди.. фармонни хаалқа тушунтириш унинг кераклигини, фойдасини уқтириш қолди. Ойбек, Қутлуг қон.

14 Отлар билан бирикиб қўшма феъл ясайди, мас. жим қолмоқ, иложсиз қолмоқ, оч қолмоқ, пулсиз қолмоқ, саросимада қолмоқ, қойил қолмоқ, ҳайрон қолмоқ. Пўлат пичоқ қинсиз қолмас. Мақол. — Шундай қилиб, саҳройи кабирда ота-бола ёғиз қолдик, — деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

15 -а|й аффиксли равишдошларга қўшилиб, айтилаётган фикрга нисбатан ижобий ёки бепарқ муносабатни, қисташ, пичинг, кесатиш каби маъноларни билдиради, мас. бора қол, ола қол, очигини айта қолинг, ёзмай қўя қолинг. — Ойим кела қолмади, иссиқ чой дамлаб берарди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. Тешабойнинг такаббуригини кўриб, Ҳасан сўфи индамай қўя қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

16 -(и)б, баъзан -а|й аффиксли равишдошларга қўшилиб ҳаракатнинг қўтилмаганда содир бўлганлигини, тугалланганлигини ёки таъкидлаш маъносини ифодалайди, мас. билиб қолди, кўриб қолди, сезиб қолди, жўнаб қолди, телефон жиринглаб қолди, сут ачиб қолди, оғриғи билинмай қолди, бола чарчаб қолди. — Хотинлар паловни дамлаган вақтда, бой келиб қолди. Ойбек, Қутлуг қон. Қайдам, мен бир мияси ачиб қолган чолман, болам. С. Аҳмад, Хукм. Энди мен сенга зангалаган миҳ бўлиб қолдимми? А. Қаҳҳор, Янги ер.

◆ Орамизда (ёки ўртағизда) қолсин

сир сақлансин, ҳеч кимга билдирилмасин. Яхши ҳамки бу гап ўз ўрталарингизда қолиб кетди. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. — Га қолганда иш, гап ва ш. к.га бориб тақалганда. Нега ҳар нарсага етган ақлиғи шунга қолганда оқсайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қўнгли қолди қ. қўнгли 1. Лаънат тағида қолмоқ айн. лаънатланмоқ. Менга (ёки сенга, унга ва ш. к.) қолса ихтиёр ва ш. к. менда бўлса; мендан сўралса. Сенга қолса, худони ҳам йўқ дейсан. А. Қаҳҳор, Янги ер. Оплоқ ойингга қолса, Кумуш опангни ҳам бирга олиб кетмоқчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Пулниг (ёки фойданиг) тағида қолмоқ кўп пул (фойда) топмоқ; пулга (фойдага) кўмилмоқ. Қола берса ундан кейин, шунингдек. Аввали худо, қола берса, мен уни уйлантириб қўйдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОЛОҚ 1 Тараққиёт поғонасининг қўйи босқичида бўлган, тараққиёт жиҳатидан орқада қолган, унчалик тараққиқ қилмаган. Қолоқ мамлакат. 2 Дунёқараш, онг-тушунчаси паст бўлган; етуқ эмас. Қолоқ одам. — Тешабой замонасининг беш-олти хотинли қолоқ бойлардан бўлмади, унинг ўзи мақтаниб айтадики, онгли бойлардан бўлиб, ниҳоят иккита хотини бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ҳозирги замон талабига жавоб беролмайдиган, истеъмолдан чиққан; эски. Қолоқ усул.

4 Ишда, ишлаб чиқариш планларини бажаришда, моддий-техника базасининг ривожланиши ва ш. к.да бошқалардан орқада бўлган. Қолоқ ҳўжалик. Қолоқ колхоз. | Қолоқдан чўлоқ яхши. Мақол. — Бизда мусобақа қолоқларга кўмаклашиш йўли билан умумий юксалишга эришишга асослангандир. | Дарсларни ўзлаштира олмай, бошқалардан орқада қолган, дарслардан улгурмайдиган, ёмон ўқийдиган; улгурмовчи, бўш. Қолоқ ўқувчи.

ҚОЛОҚЛИК қолоқ с. белги оти. Иқтисодий қолоқлик. Қолоқликка барҳам бериш. Қолоқликдан чиқиш. — Сен чиқардинг бизни очлик, қашшоқликдан, Ҳар тебраниш, ҳар бир ишда қолоқликдан. Ғайратий.

ҚОМАТ [а] Кишининг, киши танасининг ташқи бичими; қад, бўй-баст. Қомати келишган йишит. — Гулморнинг нозик ва нафис қомати даҳлизда кўриниб қолди. Ойбек, Қутлуг қон. Алиф қомат қ. алиф 1. Сарви қомат қ. сарв. Қоматини ростламоқ айн. қаддини ростламоқ қ. ростламоқ 2. Қоматини ростлади, велосипедни етаклаб кўчанинг у юзига майхона томонга ўтди. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ Қулоқларни қоматга келтирмоқ айн. қулоқларни батагн қилмоқ қ. батагн. Унинг қулоғини қоматга келтирувчи хурраги орасида кечаси билан хотинининг пиқ-пиқ йиғи товуши эшитилиб турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Қўлни қоматга кутармоқ дин. намоз

Ўқишда икки қўлнинг бош бармоғини икки қулоққа етказмоқ. *Каушини ечиб, тўнини ёди ва унинг устида туриб, қўлини қоматга кўтарди.* Жўрабоев, Мулла Б. м.

**ҚОМАТДОР** [a+ф-т] айн. қоматли. *Қоматдор, дов йигит.*

**ҚОМАТЛИ** Қомати, гавдаси келишган ва йирик; гавдали, қоматли, жусали.

**ҚОМУС** [a] 1 Мукамал, тўлиқ луғат. *Шамсиддин Сомиининг «Қомуси туркий» луғати.*

2 с. т. Энциклопедия; энциклопедик луғат.

3 кўчма Ҳаётнинг ёки билимнинг бирор соҳасига оид тўлиқ асар; мажмуа. *Оғзаки халқ ижодининг қомуси.*

**ҚОМУСЧИ** 1 с. т. Қомус, энциклопедия, луғат тузган ёки тузувчи киши.

2 кўчма Ҳар томонлама маълумотга эга бўлган, ўқимишли киши.

**ҚОН** 1 Тирик организмда юрак фаолияти туфайли айланган юриб ҳамма орган ва ҳужайраларни озиқлантирадиган, модда алмаширилишини таъминлайдиган қизил суюқлик. *Артерия қони. Вена қони. Қон айланиши. Қон босими. Қон кетиши (оқиши). Қон томирлари. Мияга қон қўйиши. Беморга қон қўйиш.* — Яра кўкракда, юракка яқин: *ундан куюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**Қони бир** бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб, қондош; қон-қардош. **Қон бўлмоқ** 1) қонга беланмоқ. *Қўлим қон бўлди;* 2) кўчма қаттиқ сиқилмоқ, хун бўлмоқ. У [Жаннат хола] *Икромжон чўлга кетгандан бери ёлғиз уйда уймалайвериб қон бўлиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Қон кўрмоқ** хайз кўрмоқ, ой кўрмоқ. **Қон тўкмоқ** 1) қонли жанг қилмоқ, ўлдирмоқ. *Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапни ичимга солиб юрдим.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) жон фидо қилмоқ, ўзини қурбон қилмоқ. [Йўлчи] *халқ учун, юрт учун, жамики аламадалар, алабийдалар учун қон тўкди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**Қон чиқармоқ дин. этн.** жонлик сўйиб худойи қилмоқ. **Қон қилмоқ** 1) қон теккизмоқ. *Қўйлагимни қон қилибсан;* 2) кўчма хуноб қилмоқ, бўғмоқ. [Қампир:] *Биронтасини кўрсатсангиз ўласизми? Ҳамманинг юрагини қон қилдингиз-ку.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Қиндик қони тўкилган ер** (ёки жой, тупроқ) қ. қиндик 1 2. **Кўзига қон тўлди ёки кўзини қон босди** 1) кўзи қизарди; 2) кўчма қаттиқ ғазабланди; қаттиқ хаяжонланди, талвасага тушди. *Додоҳнинг .. мўйловлари учди, қовоқлари бадтар тушди, кўзларига қон тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Оғзи-бурнини қон қилмоқ** уриб башарасини ёриб юбормоқ, қаттиқ калтакламоқ. *Бир парча нон учун мана бу Абдуракул сенинг эшигингда ёшигидан хизматингни қилди. Охири, сен бунини бир ҳўкиз учун уриб оғзи-бурнини қон қилдинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Рангига** (ёки

юзига) қон югурди қизарди, юзига қизиллик пайдо бўлди. *Ёрдამчи йигитнинг юзига қон югурди.* Ш. Ғуломов, Азим дарёни дебон. **Рангидан** (ёки юзидан) қони қочди туси ўзгарди, ранги ўчди. *Унинг оёқларигача бўшашиб кетди, ранги ўчиб, қони қочди.*

2 кўчма Интиқом, ўч. Қонга қон олмоқ. — Қамбағал нон деб бош кўтарса, бой муштумзўр қон деб тош кўтаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.] Хун, товон. [Қўрбоши] *киссасига тушган олтинларни Отабек ила қўтиборнинг қон баҳолари эканлигини сезиб, виждони тўлқинлана ёзди ва безовта бўлди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Қонидан ўтмоқ** (ёки кечмоқ) гуноҳини кечириб, тирик қолдирмоқ, авф этмоқ. — *Қонимдан кеч демоқчимсан? — Йўқ .. Аксинча, мени ўлдирши ниятингиздан қайтмасангиз дейман.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Эсинг бориди этапингни ёп. Менга йигит бўл!* Бир қошиқ қонингдан ўтман. С. Аҳмад, Хукм.

◆ **Бағри** (ёки дили, жигари, юраги) қон жуда сиқилган, ғам-ҳасрат билан тўлган, эзилган. *Тўйнуғин очиб аларни(нг) ҳолидин олсам хабар, Юзларига парда тортуқлуқ, турурлар бағри қон.* Увайсий. **Қамчсидан қон томган қ. қамчи.** **Қон ютмоқ** қаттиқ қайғурмоқ, азобланмоқ. *Нодонга улфат бўлган қон ютар.* Мақол. **Қони қайнади** қизишди, жаҳли чиқди. *Самандаровнинг қони қайнаб кетди. Мундай гапирсангизчи, забон борми?!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Қон қақшамоқ** зор-зор йиғламоқ, қақшаб йиғламоқ. **Қон-қора қақшамоқ** айн. қон қақшамоқ. *Бозор қўйларни тополмаслигига ишонгандан кейин .. бошига тупроқлар сочар ва қон-қора қақшаб йиғларди.* Айний, Дохунда. **Қонга ташна бўлмоқ қ. ташна.** [Бировнинг] қонини сўрмоқ бировнинг кучидан фойдаланмоқ, эксплуатация қилмоқ. *Менинг бу ерга келишдан мақсадим .. меҳнаткашларнинг қонини сўриб келган муштумзўрни тағ-томири билан юлиб ташлашда сиз оға-иниларимга ёрдам беришдир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚОНАМОҚ** (фақат 3-ш. ф-да) Кесилни, тилиниш, ситялиш, ёрилиш натижасида қони чиқмоқ, қони оқмоқ. *Тикан кириб қўли қонади.* — *Ўз ёнида ғўмай юлатган Абдолатнинг қўли қийлиб қонаганини кўрган Бегимхон хаҳолаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. **Бурни қонади** 1) бурнидан қон келди. *Уни офтоб уриб, бурни қонади;* 2) кўчма зарар кўрмоқ, шикаст емоқ; азият чекмоқ. *Қамбағалнинг оғзи ошга етганда, бурни қонади.* Мақол. **Бурни ҳам қонамади** ҳеч қандай зарар кўрмади, шикаст емади, азият чекмади. *Ҳамма ишни биз қилдик, унинг бурни ҳам қонамади.*

**ҚОНАТМОҚ** қонамоқ фл. орт. н. *Гул узаман деб қўлимни қонатдим.* — *Низэ ака камбағалларнинг бурнини*

ҳам қонатган эмас. Р. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

**ҚОНДИРИЛМОҚ** қондирмоқ фл. мажх. н. *Аҳолининг талаблари тўла қондирилди.* Ғўзанинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

**ҚОНДИРМОҚ** қонмоқ фл. орт. н. *Нафсини қондирмоқ.* *Экинларни сувга қондирмоқ.* Ғўзаларни қондириб суғормоқ. *Талабни қондирмоқ.* — *Кайин отамга ёзганим қисқа бўлгани учун, сиз унга мендан зийтганларингизни сўзлаб қондирарсиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Африка арслони ўз она кўкиси — Нилдан қондирди машиналигини.* Ғ. Ғулом. *Қашиқпаннинг тенг ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш, биринчи галда, советнинг вазифаси эмасми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚОНДОШ** 1 Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб; қони бир; қариндош, қон-қардош. *Менга қондош, жондош бўлган эл, Гадо эди, қашшоқ эди хор.* Ҳ. Олимжон.

2 кўчма Жонажон, азиз, меҳрибон. *Пахтакор ўлкадан келтирдим салом, Қардошим, қондошим қабул қилиб ол.* Ж. Жабборов.

**ҚОНИҚАРЛИ** Қаноат ҳосил қила оладиган, қаноатланарли деб бўладиган. *Қониқарли жавоб.* *Қониқарли баҳо.* *Ҳисобот давридаги иши қониқарли топилди.* || *Қониқарли ишламоқ.* *Қониқарли ўқимоқ.*

**ҚОНИҚАРСIZ** Қаноатланарли деб бўлмайдиган, қаноатланарсиз. *Қониқарсиз жавоб.* || *Иш қониқарсиз олиб борилмоқда.*

**ҚОНИҚИШ** 1 қониқмоқ фл. иш оти. *Ғўзаларнинг қониқишига ҳали бор.*

2 Қаноат ҳосил қилиш, хурсандлик, мамнунлиқ. *Зўр (чуқур) қониқиш билан таъкидламоқ.* — *Қолхозчилар чехрасида қониқиш, партия ва ҳукуматимиздан миннатдорчилик белгиси чақнаб турарди.* Ҳ. Нуъмон, Янги уфқлар.

**ҚОНИҚМОҚ** 1 айн. қонмоқ. *Уйқуға қониқдингизми, Жўра ака? Ойбек, Қутлуғ қон.* *Фазлидин .. ачиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошни қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Ўзбек ойми] *иккита рўмолига ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўралмай қолган .. саллачасини қўйган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Қаноатланарли деб топмоқ, қаноатланмоқ. *Тўла жавоб бердингиз, қониқдик, ука.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚОНИҚТИРИЛМОҚ** қониқтирмоқ фл. мажх. н. *Аҳолининг талаблари тўла қониқтирилди.*

**ҚОНИҚТИРМОҚ** 1 қониқмоқ фл. орт. н. *Тўйнинг қий-чуви, меҳмонларни чой билан қониқтириш учун шошилиш .. каби юмушлар Гулнорни Йўлчи олдиға аста-секин яқинлашувга мажбур қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ, бажармоқ. *Бировнинг талабини қониқтирмоқ.* — *Дадангизнинг орзусини*

қониқтириши — сизга фарз. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚОНИҚҚУВЛИК** айн. қониқарли. Шу кечяо-кундузда ишимиз қониққувлик эмас-ку. Х. Назир, Олмос.

**ҚОНЛАМОҚ** этн. Жонлиқ сўйиб, унинг қонини беморнинг боданига сур-камоқ. Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Баҳши ўқиди. Алақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалди, товуқ сўйиб қонлади. А. Қаххор, Бемор.

**ҚОНЛАШМОҚ** қонламоқ фл.бирг. н. **ҚОНЛИ** 1 Қони бўлган, қони бор. Иссиқ қонли хайвонлар.

2 Қонга беланган, бўялган. Қонли қилчи. — Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди. Ойбек, Қутлуғ қон. Муҳаррам жуда шошиб қолган эди. Унинг кўз олдига қонли майдону эрининг чўзилиб ётгани келди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Қон аралашган; қонга тўлган. Қонли тупук. — Азим тажанг даҳшат тўла қонли кўзлар билан Ғулможонга ўқрайиб қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қон тўкиши, хунрезлик билан содир бўладиган. Қонли урушлар. Қонли жанг. — Кўп сирларнинг, қонли кунларнинг Ғувоҳисан, улуг Днепр. Ғайратий. Уни жонига теккан бир ёки бир неча қарздори ўлдирган, ё бўлма-са бирор ўзидай ахлоқсиз рақиби ундан қонли ўч олган. Айний, Эсдаликлар. **Қонли яқшабта тар.** 1905 йил 9 январда Петербургда ишчи намоёнчилар чор ҳукумати томонидан ўққа тутилган кун.

**ҚОНЛИК** диал. Жонлиқ.

**ҚОНМОҚ** 1 Талаб қилинганича фойдаланиб, олиб, кўриб ва ш. к. мириқмоқ, нафис ором олгунча еб-ичиб тўймоқ, қаноат ҳосил қилмоқ, қониқмоқ, қаноатланмоқ. Уйкуга қонмоқ. Чойёа қонмоқ. Дийдорға қонмоқ. Экинлар қониб сув ичди. — Севган қизи билан ҳеч бўлмаса бир томошага бориб, бир қониб гапланиши истаги унинг гўё қоронги кўнглига ёғду соғандай бўлди. П. Турсун, Уқитувчи. Ота-онаси, ўртоқларини меҳри қониб-қониб кўрса, дийдорларига тўйса. Ғ. Расул, Адولات.

2 Кўнгли тўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ, қаноат қилмоқ. Озга ҳам қонмоқ. — Яхши қолинг севган юрту дийрими! Хизмат қилиб қонмай, қонга бўялдим. Ҳамза.

3 Қаноат, ишонч ҳосил қилмоқ, ишонмоқ. [Содиқ:] Муталбой сизни обдон яхши биладу, Ҳомид ака! Сизнинг қандай хизматингиз борлигига ҳам қонган .. Аммо унинг сиздан бир илтимоси бор экан. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОНСИЗ** 1 Қони йўқ, қони бўлмаган. 2 Қони оз; қони қочган, ранги ўчган, ранги оқарган, рангсиз. Унинг қонсиз юзларидан яқинда госпиталдан чиққани сезилиб турарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ҚОНСИЗЛАНМОҚ** 1 Кўп қон йўқотмоқ; қони камаймоқ.

2 Қони, ранги қочмоқ, ранги ўчмоқ, оқармоқ. Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланечук ҳолатга кирган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҚОНСИЗЛИК** 1 қонсиз с. белеи оти. 2 мед. Камқонлик. Барибир ўласан, очликданми, қонсизликданми, қийна-либ, хор бўлиб ўласан. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚОНСИРАМОҚ** 1 Кўп қон йўқотиб, қонсизланиб заифлашмоқ. Унинг кўз йнғидан бутун олам йўқолиб, фақат икки нарса қолди: қонсира оқаришган .. дудоқ, дока билан боғланган томоқ. А. Қаххор, Хотинлар.

2 Қон тўкишни қўсмамоқ, қонга ташна бўлмоқ. Қонсираган ханжарини белича осиб, ойболтасини кўтарган жаллод Қушбегининг ҳукмига мунтазир эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Азим қонсираб ётган иртқич кўзларини пилпиллатди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚОНТАЛАБ** 1 Кўп қон йўқотган, қонсизланган, қонсираган.

2 Қон тўкишни қўсмаб қолган, қонсираган, қонга ташна. Кўзлари хонасидан чиқай даятган, қонталаб жаллод Жуманиёз пучуқ «айбдор»нинг кетидан ханжарини яланғочлаб эргашди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Интиқом, ўч, қасос олиш пайида бўлган, қонга қон талаб қилувчи. Қонталаб рақиб.

**ҚОНТАЛАШ** 1 Зарбдан ёки касаллик натижасида қонга тўлган; қизарган, кўкарган. Қонталаши доғлар. — Банди қонталаш лабарини аранг қимирлатар, бироқ гапиролмасди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Хум каби гавдасин сезандек хаста Инграб буриштирди қонталаши афтин. Я. Курбон. | Қон қуйилган; қизарган. Қонталаши кўзлар.

2 кўчма Қон тегиб турган, серқон, қип-қизил олмадек. Зайнобиддиннинг гўштор, қонталаши юзларида ҳаммаша жилмайиши. Мирмуҳсин, Тирик товуон.

3 кўчма Қизил тусга кирган, қизарган; қизил. Қонталаши уфқ. — Қонталаши осмон хиралашиб, адирлар орқасидан этагини судраб оқшом кела бошлади. У. Ҳошимов, Чўл ҳавоси. Баҳор қонталаши музларни парчалаб, эритиб, катта оқишга бошлаб кетади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ҚОНТАЛАШМОҚ** 1 Зарбдан ёки касаллик натижасида қизармоқ, кўкармоқ; моматалоқ бўлмоқ. Тош теккан жойи қонталашиб кетибди. — Унинг юзлари шиллиниб, қонталашиб ётарди. Мирмуҳсин, Чўри. | Қон қуйилмоқ, қизармоқ. [Домганинг] бир чаккаси кўкарган, қовоғи ишишган, бир кўзи қонталашган. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

2 кўчма Серқонликдан қип-қизил олмадек бўлиб турмоқ. [Директорнинг] семизликдан кўзлари қисилиб кета-

ёзган, қонталашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай. А. Муҳиддин, Юзига чарм қоплаган киши.

3 кўчма Қизил тусга кирмоқ, қизармоқ. Уфқда қора тутун, қонталашган осмон. Ғ. Ғуллом, Совет Армиясига.

**ҚОНУН** 1 [а] 1 Объектив борлиқда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳаммаша мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабат. Ижтимоий тараққиёт қонунлари. Табиат қонунлари. Диалектика қонунлари. Тафаккур қонунлари. Зиддиятларнинг бирлиги ва кураши ҳақидаги қонун. Энергиянинг сақланиш қонуни. Қўшимча қиймат қонуни. Мувозанат қонунлари.

2 Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий норма ва муносабатларни белгилувчи расмий қоида. Конституция Совет Иттифоқининг асосий қонунидир. Саккиз йиллик мажбурий таълим ҳақида қонун. Жиноят қонунлари. Қонунлар тўплами. Қонун чиқармоқ. Қонун чиқарувчи орган. — Судьялар мустақилдилар ва фақат қонунга итоат қиладилар. «УзССР Конституцияси». Мамлакатнинг ичкарисида бирон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг якка тортасан, бу ерда [фронтода] қонунни бузсанг, жазосига бошқаларни ҳам шерик қиласан. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

3 Бажарилиши шарт, мажбурий бўлган, норма, қоида тусига кирган талаб, топшириқ ва ш. к. Партия қарорлари барча коммунистлар учун қонун. Отасининг сўзи — унинг учун қонун. — Пиёда аскарларнинг жанговар уставида командирнинг буйруғи — қонун, командир нотўғри буйруқ берса ҳам, жангчи аввал буйруқни бажариб, ундан кейин шикоят қилиши керак, дейилган. А. Қаххор, Олтин юлдуз. | Жамиятда, ижтимоий группа ва ш. к.да қабул қилинган, одат тусига кирган қоида, расм, одат. Меҳмондўстлик қонуни.

4 Бир динда қабул қилинган ахлоқ ва расм-русум қоидалари системаси. Шариаат қонуни.

**ҚОНУН** II [а] Дуторсимон қадимий чолғу асбоби. Хўжа Абдулло .. ажойиб қонун чаларди, шеър айтарди. Ойбек, Навоий.

**ҚОНУНАН** [а] рви Қонунга мувофиқ, қонуний равишда, қонун бўйича, қонун йўли билан. Унинг ҳар бир раёйига Нормухаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОНУНБУЗАР** Қонунга риоя қилмайдиган, унга хилоф ҳаракат қилган ёки қиладиган, қонунни бузувчи.

**ҚОНУНИЙ** [а] Қонун билан белгиланган, қонунда кўрсатилган. Қонуний ҳуқуқ. — Завод Ғиёсидин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳаққи йўқ эди. С. Ахмад, Хукм. | Қонунга мувофиқ келадиган,



қонун йўли билан тасдиқланган. Қонуний ҳужжат. | Қонунга асосланган; қонун йўли қўйган ёки қўядиган. Қонуний ҳаракат. Қонуний ташкилот.

2 Ўз-ўзидан келиб чиқадиган, содир бўлиши муқаррар бўлган; табиий. Қонуний савол. Қонуний эътироз.

**КОНУНИЙЛИК** 1 қонуний с. белги оти. Талабнинг қонунийлиги. Ҳодисаларнинг қонунийлиги.

2 айн. қонуният 2.

**КОНУНИЯТ** [а] 1 Объектив ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва уларнинг қонунлари. Объектив қонуниятлар. Жамиятнинг ривожланиши қонуниятлари. | Қонунлар мажмуи; қонунлар. Район прокурори ўзини гўё бир автоном оролда ҳис этар ва ўз қонунияти билан яшар эди. И. Раҳим, Ихлос.

2 Қонуний асосда, табиий равишда ўзи-ўзидан келиб чиқувчи, табиий, муқаррар иш, ҳодиса ва ш. к. Тарихий қонуният ва зарурият бўлган социализмнинг муқаррар ғалабалари кўп миллатчиларни ўз мағлубиятига иқрор бўлишига мажбур этади. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки».

**КОНУНЛАШМОҚ** 1 Қонун билан тасдиқланмоқ; қонун тусига, кучига кирмоқ. Янги календарь Юлий Цезарь томонидан қонунлашганидан, уни Юлий календари деб аташ қабул қилинди. «Астрономия».

2 Қонуний деб тан олинмоқ; легаллашмоқ. Қонунлашган ташкилот.

**КОНУНЛАШТИРИЛМОҚ** қонунлаштирмоқ фл. мажх. н. Қонунлаштирилган имло қоидалари.

**КОНУНЛАШТИРМОҚ** қонунлаштирмоқ фл. орт. н. ЎзССР Олий Совети янги имло қоидаларини қонунлаштирди.

**КОНУНЛИ** 1 Муайян қонунлари бўлган ва уларга амал қиладиган. Қонунли давлат.

2 Қонунга асосланган; қонуний. Қонунли иш.

**КОНУНСИЗ** 1 Муайян қонунлари бўлмаган, ҳар ким ўз бошига, ўз хошига кўра иш қиладиган.

2 Қонунга тўғри келмайдиган, қонунга хилоф, ғайриқонуний. Қонунсиз иш. Ўзгаларнинг ерларини қонунсиз босиб олиш.

**КОНУНСИЗЛИК** 1 қонунсиз с. белги оти.

2 Қонунга риоя қилмай, унга хилоф равишда иш тутиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракат; бошбошдоқлик, бедодлик. Озгина бўлса-да қонунсизлик, совет тартибининг озгина бўлса-да бузилишининг ўзи меҳнаткашларнинг душманлари барҳол фойдаланадиган нуқсондир. В. И. Ленин, Ишчи ва деҳқонларга хат.

**КОНУНЧИЛИК** Қонун белгилаш ва унга қатъий риоя қилиш; қонунни маҳкам ушлаш. Революцион қонунчилик. Совет қонунчилиги. Демократик тартиб ва қонунчиликни мустаҳкамламоқ. ■ Қонунчиликни, уношқоқликни

ва интизомни таъминлашда халқ қонтроли муҳим роль ўйнаши керак. «С. Ўзбекистон», 1966, 5 август.

**КОНУНШУНОС** Қонунларни яхши биладиган мутахассис; юрист.

**КОНУНШУНОСЛИК** 1 қонуншунос с. белги оти.

2 Қонунлар ҳақидаги ўқув предмети. **КОНХЎР** 1 Бошқаларнинг қонини ичиб ёки сўриб яшайдиган.

2 кўчма Кишиларни шафқатсиз эзувчи, эксплуатация қилувчи, золим. От, ўлдири! Бола бермаймиз қонхўр подшога. Ойбек, Қутлуғ қон. || Бор бўлганим золим, қонхўр оққўйган. Эргаш шонр.

**КОНХЎРЛИК** 1 қонхўр с. белги оти. Чўпонлар Давлатёрнинг орқасидан қараб қолдилар ва унинг [Мадамнинг] қонхўрлиги тўғрисидаги гапларни эслаб, чуқур ўйга толдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Шафқатсиз эзиш; шафқатсиз эксплуатация.

**КОН-ҚАРДОШ** Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан); қариндош, қондош.

**КОН-ҚАРДОШЛИК** қон-қардош с. белги оти.

**КОН-ҚАРИНДОШ** айн. қон-қардош.

**КОП** Сочилувчан нарсалар солиб қўйиладиган, мага, чипта ва ш. к. дан тикилган, халтадан катта, қанордан кичик рўзғор буюми. Қаноп қоп. Чипта қоп. Қоғоз қоп. Қанор қоп. Бўйи қоп тик турмас. Мақол. Тенг-тенги билан, тезак қопи билан. Мақол. ■ Семиз йигит бир қоп ёнғоқдай шалдур-шудур, очикқина эди. Ҳ. Назир, Коммунист.

**ҚОПАҒОН** Қопиб, тишлаб оладиган, қопонғич. Қопағон иш.

**ҚОПИ** диал. Эшик. Ҳой ука, секинроқ гапир, қопининг орқасида одам бор. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚОПИНМОҚ** диал. Куймоқ, ўртанмоқ, ёнмоқ. Ич куйган сўнг юрак ўтдай қопинар. «Равшан».

**ҚОПИШМОҚ** қопмоқ 3 фл. бирг. н.

**ҚОПЛАМ** 1 Бирор нарсани сиртдан ўраб, қоплаб турган нарса. Қор қоплами.

2 Бир қоплашли, бир қоплашга етадиган. Бир қоплам пахта. Тўйга яна олти қоплам пахта керак.

**ҚОПЛАМА** 1 Бирор нарсанинг сиртига, бетига, устига қопланган, ўралган, сирилган ташқи қатлам ёки ғилоф. Деворнинг мармар қопламаси. Мебель қопламаси. Йўлнинг асфальт қопламаси. Тиш қопламалари. || Қоплама материаллар.

2 айн. қоплам 1. Қоплама кўрпа авра-астари устидан янги авра-астар кийдириб қавимлаган кўрпа.

**ҚОПЛАМОҚ** 1 1 Устини ёки ҳамма ёгини ўрамоқ, буркамоқ, босмоқ, тутмоқ, тўлдирмоқ. Адирларни ўт-ўлан ва чечаклар қоплади. Қўк юзини булут қоплади. Хонани тутун қоплади. Бутун борлиқни қоронғилик қоплади. ■

Муҳайёнинг жажжи юзларини тер қоплади. А. Ёқубов ва Ш. Шодиев, Кичкина доктор. 2 Эгалламоқ, банд қилмоқ; босмоқ. Бутун вужудини ғазаб қоплади. ■ Унинг бошини турли фикрлар, режалар қоплади. Ойбек, Навоий. Бу сўздан сўнг уй ичини кучли бир кулги товуши қоплади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Эъвозхоннинг] кўнглини алақандай шубҳалар, совуқ ваҳималар қоплаб ўзини беҳол сезди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Бирор нарса сиртини, бетини, устини бошқа нарса билан ўрамоқ, сиртига, бетига, устига бошқа нарса сирмоқ, ёпиштирмоқ, тўшамоқ, ётқизмоқ. Деворга мармар плиталар қоплади. Диванга духоба қопламоқ. Йўлни асфальт билан қопламоқ. Кўрпа қопламоқ 1) кўрпа тикмоқ, кўрпа тайёрламоқ. Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, пар тўшаклар олмақчи бўладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўрпанинг авра-астари орасига пахта солмоқ. Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қоплаб, қақиқдан чиқарди. А. Ҳайитметов, Унсин хола.

4 Тўсмоқ, беркитмоқ; эгалламоқ. Қўли билан оғиз-бурнини қопламоқ. ■ Сафаров супадаги киғизни тортиб алағанинг устини қоплади-да, юзуриб ташқорига чиқди. А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши. Эшик очилиб барзангидай йигит чиқди, гавдаси билан эшикни қоплади. Ойбек, Қутлуғ қон. Мўйсафид домла бутун деворни қоплаган катта доскага темаларни ёзишга киришди. О. Ёқубов, Муқаддас.

5 кўчма Йўқотилган ёки етишмайдиган нарса ўрнига ўрин бўлмоқ, ўринни тўлдирмоқ, босмоқ. Зарарни қопламоқ. Харажатни қопламоқ. Қарзни қопламоқ. ■ Хўш, бу ютуқларимиз камчиликларимизни қоплаб бизни хотиржамликка солиши мумкинми? А. Қаххор, Нутқ.] Таъмин этмоқ, қондирмоқ. Уларнинг топан пуллари рўзғор эҳтиёжини зўрға қоплар эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ҚОПЛАМОҚ** II Қопга солмоқ, қопга жойламоқ. Буғдой қопламоқ. ■ Бу кишилар сабзи ковлаб, қопламоқда эдилар. Ҳ. Фулом, Шум бола.

**ҚОПЛАНМОҚ** I I қопламоқ I фл. мажх. н. Харажат тез қопланди. Ажин билан қопланган пешана. ■ Самоварчи тоғорага қайноқ сув қўйиб, жўмрагига жез қопланган чойнакларни .. ювётган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Бутун борлиғи руҳий азоб билан қопланган Саодатхон бўйинини эгани ҳолда, .. уйга кириб кетди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 қопламоқ I 1, 2, 4 фл. ўзл. н. Хона тутун билан қопланди. Осмон булут билан қопланди.

**ҚОПЛАНМОҚ** II қопламоқ II фл. мажх. н. Ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди ва қопланди. Қопланган ун.

**ҚОПЛАТИЛМОҚ** I қоплатилмоқ I фл. мажх. н. Кўрпалар қоплатилди.

**КОПЛАТИЛМОҚ** II қоплатмоқ II фл. мажх. н. Бир тонна бугдой қоплатилди.

**КОПЛАТМОҚ** I қопламоқ I 2, 3, 4 фл. орт. н. Кўрпа қоплатмоқ. Харажатни қоплатмоқ.

**КОПЛАТМОҚ** II қопламоқ II фл. орт. н. У кечгача икки тонна ўғит қоплатди.

**КОПЛАШМОҚ** I қопламоқ I 2, 3, 4 фл. бирг. н.

**КОПЛАШМОҚ** II қопламоқ II фл. бирг. н.

**КОПЛОВЧИ** I I қопламоқ I фл. ш. оти. Бутун хонани қопловчи палатни аёллар бошлари узра билан кўтардилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қоплаш, сириш каби ишлар билан шуғулланувчи ишчи, мутахассис. Мебель қопловчилар. Кўрпа қопловчи аёл.

**КОПЛОВЧИ** II Қопларга юк жойлаш билан шуғулланувчи киши. Пахта қопловчи. Ўғит қопловчи ишчи.

**КОПЛОН** I Мушуксимонлар ола-сига мансуб, териси хол-хол йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон.

2 кўчма Жасур, мард одам ҳақида. Папоқ кийган қаҳрамон, Гавдали қоплон. Темир панжанг билан тўк, Душманингдан қон! Ҳамза.

**КОПМОҚ** I Тишлаб олмоқ, тишламоқ (ит, туя ҳақида). Итни қопмас деб бўлмас. Мақол. Ит қутурса, эгасини қопади. Мақол. — Э, юраверинг, қопмайди! — деди орқада келайтган Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 диал. Емоқ, тишламоқ. Не бедовлар жазосини топади, Бир нечаси ағнаб қумни қопади. «Алпомиш».

3 кўчма Жеркиб, урушиб, гапирмоқ, дағал гап қилиб дил офритмоқ. Яшиш тоғиб гапирар, ёмон қопиб (гапирар). Мақол. — Давлатбахт қани? Нега у келмади? — қопиб гапирди Оллоёр. Ойбек, Навоий.

**КОПОНҒИЧ** айн. қопагон. Қопонғич ит.

**КОПТИРМОҚ** қопмоқ фл. орт. н.

◆ Итга қоптирмай, туяга тептирмай меҳрибонлик билан, аяб-авайлаб, ардоқлаб каби маъноларда ишлатиладиган ибора.

**КОПЧА** айн. қопчик.

**КОПЧИҚ** I Қичкина қоп, халта, халтача. Нормат қопчигини очиб, буғунчи норма ноши, шакарини ўртага қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сувоңжон эртасига вағдалашган вақтда этиб келди. Унинг орқасида қопчик, қўлида пўстин, елкасида милтиқ бор эди. С. Анорбоев, Оқсой. | Пул соладиган халтача, ҳамён.

2 анат. Пуфак. Пуфакча. Кўз ёши қопчиги.

**КОПҚА** эск. Дарвоза. Шаҳар қопқаси. — Узингли камситма, Тошкентнинг ўн икки қопқасига борилса, кимнинг ери — Курбонҳожининг ери-ку! Ойбек, Қутлуғ қон. Қўқнинг қопқаси

қоққан соатда, Қуёш кўз уқалаб уйғонар эди. Ф. Ғулум.

**КОПҚОН** I Ов қилинадиган ёки зарарли ҳайвонларни элиптириш, тутиш учун қўйиладиган мослама. У ичига қатта оқ қаламуш қамалган қопқонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Сувоңжон] этиб келганда нақ тумшугидан илгинган тулки қопқон билан олишайтган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Дом, тузоқ. Бектемир уларга қарамасдан, секин деди: қопқонга тушибмиз — бу қалай? Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳаммасини айтиб бергандан кейин Темир қопқондан қутулиб бўпти. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

**КОП-КОП** Бир қанча қоп, жуда кўп қоп. Гап десанг, қоп-қоп, иш десанг, Самарқанддан топ. Мақол. — Қоп-қоп олтин, қумуш тўқиб олса арзийдиган қизан. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу ерга қоп-қоп арпа, бугдой ва арваларда беда келиб турарди. Жўрабоев, Мулла Б. м. Мақсумжон гап деганда қоп-қоп-у, иш деганда Самарқанддан топ, деган кишиларнинг бири эди. Ғайратий, Лектор.

**КОП-ҚОРА** қора с. инт. Қоп-қора соч. Қоп-қора тун. — Тўлқинжон истараси иссиқ, қош-кўз қоп-қора, баланд бўйли йигит. Ф. Мусажонов, Ҳури.

**КОП-КОРОНҒИ** қоронғи с. инт. У [минбеоши] авахта эшигига келиб, тирқишидан қаради. У ер қоп-қоронғи эди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Қоп-қоронғи узун йўлакдан ўтиб, ташқари ҳовлига чиқилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КОПҚОҚ** Идиш, сандиқ, яшик ва ш. к. нарсалар оғзининг очилиб-ёпилиб турадиган томонини бекитувчи қисми; ёпқич. Чойнакнинг қопқоғи. Қоронинг қопқоғи. Соатнинг қопқоғи. Сандиқнинг қопқоғи. Чўнтакнинг қопқоғи. — Олимов қўён тушан яшикнинг қопқоғини маҳкамлаб, Аздада узатди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КОПҚОҚЛАМОҚ** Қопқоқ билан бекитмоқ, қопқоғини ёпмоқ, маҳкамламоқ. Қонсерва банкларини қопқоқламоқ. Яшикни қопқоқламоқ. Қудуқни қопқоқламоқ. Қопқоқлаш автомати. — [Ҳамробиби] дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди. Р. Файзий, Эл меҳри.

**КОПҚОҚЛАНМОҚ** қопқоқламоқ фл. мажх. н.

**КОПҚОҚЛАТМОҚ** қопқоқламоқ фл. орт. н.

**КОПҚОҚЛИ** Қопқоғи бўлган, қопқоғи бор. Қопқоқли чойнак. — Унинг .. устида чўнтаклари қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жузун камзул. Ойбек, Қутлуғ қон. | Қопқоқ билан бекитилган, қопқоғи маҳкамланган, қопқоқланган. Олимов .. бояги қопдан оғзи қопқоқли, бир ёғига сим тўр қопланган иккита яшикча чиқариб олиб келди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚОР** Сув зарраларининг совуқдан

бирикиши натижасида юзага келадиган оқ пар шаклидаги ёғин. Биринчи қор. Майда қор. Лайлак қор. Паға-паға қор ёғмоқда. Қолган ишга қор ёғар. Мақол. Қордан қутулиб ёғирга тутилмоқ. Мақол. — Қайноқ ерга капалакдай учиб тушиди олоқ қор. Х. Пўлат. Қўча ва томлар қордан оқара бошлаган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ер юзини қоплаган ана шундай ёғин қатлами. Қорда чанги отмоқ. Қор уюми. Қор суви. Қор қурамоқ. Қор бобо қ. бобо. Қор ҳат ғалат қорхат. Қор ёғди этн. мархумнинг вафотидан кейин биринчи қор ёққанда ўтказиладиган мотам маросими.

◆ Қовогидан қор ёғди қ. қовоқ II.

**ҚОРА** I Ранг-туси мавжуд рангларнинг барчасидан тўқ; қозон куя, кўмир тусидаги. Қора қозон. Қора соч. Қора кўз. Қора сиёҳ. Оқ ит, қора ит — бари бир ит. Мақол. | Шу тусга мойил тўқ рангли; қорамғир. Қора нон. Қора гилос. Қора тупроқ. Қора булут. Қора танлилар. Қора ерга кирсин! (қарғ.) — Лаганлар бўшайғанда, эшикдан серсаватат бир қора одам кириб келди. П. Турсун, Ўқитувчи. || Қорани қора деманглар, Қоранинг ори келади, Қора майиз еганда Қандай ширин келади. «Қўшиқлар». | Қоронғи; тим қоронғи. Қора тун. || Кечанинг тим қорасида юдузлар ёрқин ёнади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган. Қора уй. — Долоннинг ўнг тарафидаги кичик қора хужрада Повоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 от Шаҳматда оққа зид доналар ва шу доналар билан ўйновчи томон. Қора билан ўйнамоқ. Қоралар ютди.

3 от, этн. Оқ бўлмаган, одми кийим ёки мато (мотам белгиси). Қора киймоқ. Байроқларга қора тутмоқ. — Қора кийиб ҳали йўғлаб юреандир, Бизларни «ўйди», деб мотам қилгандир. «Ширин билан Шакар». Кенг қишлоқни партизанинг мотами Қоплаб олди: Қора тақди ҳар билак. А. Умарий.

4 от Тунда, туманда ёки узоқдан ғира-шира кўринган шарпа, кўлайка. Узоқдан бир кишининг қораси кўринди. Машинанинг қораси кўринмай кетди. — Чўлга назар солади, Бир қорани кўради. «Муродхон». Қалъа устидагиларнинг қораси ғойиб бўлгунча, Анвар қараб турди. Ж. Шарипов, Хоразм. Қорангни кўрсатма (ёки ўчир) кўринма, борма, келма. Почтаев баракларни айиланиб кетгунча қорангни кўрсатмай тур. А. Мухтор, Туғлиш. Қораси ўчди кўринмай кетди, кўздан йўқолди, ғойиб бўлди. Эшакларнинг қораси ўчгунча, Акбархўжанинг йиғиси эшитилиб турди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Қораси ўчсин! қарғ. ўлсин! Оқ подшоҳнинг тахти куйсин! Қораси ўчсин! Ойбек, Қутлуғ қон.

5 от Мўлжалга олинган ёки олинадиган нарса, нишон; мўлжал. Қорага

олмоқ. — Биринчи отган ёй қорадан бир қулоч юқори кетди. «Латифалар». Мерган бўлсан, ўшал оғочни қорага олиб отғил. М. Осим, Ўтрор. **ҚОРА** озиб... Бир зарсанга белги, мўлжал қилиб, мўлжаллаб, ўша белги, мўлжал асосида. Улар эрталаб ўтган кўй сурӯеларининг изини қора олиб ... тепаликлар оша юришади. А. Ҳасанов, Чироқлар.

6 кўчма эск. Ўқимаган, саводсиз, авом. Қора элларни оқартирмоқлик учун Белни маҳкам боғлаб, ишлов кун бу кун. Ҳамза. Оғайни, мен қора одамман. Заргар Ёдгорбек бошимни айлан-тирган экан. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Бу саводсиз қора халқнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Хукуматни эплай олмайдди. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 кўчма Дастлабки, хомаки. Қора чапик. — Уйларнинг кўпи ҳали қора шувоқда, аксар деразаларга энди ойна солинаёттир. Ойбек, О. в. шабадалар.

8 кўчма Махсус малака, хунар талаб қилмайдиган, қўл кучи билан ҳар қил қилаверадиган. Қора иш. Қора иши. — Ўқув ҳақи жамғариш учун ҳар қандай оғир қора меҳнатдан ҳазар қилмади. Ойбек, Нур қидириб. Рўзиқул умрининг кўп қисмини .. бойнинг қора хизматларида ўтказди. Фитрат, Қиёмат. Мени қунов цехига қора иши сифатида қабул қилишди. О. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси.

9 кўчма Кўнгилсиз, ноҳуш, машғум. Кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим. Ойбек, О. в. шабадалар. Чиндан ҳам мактубнинг мунда кўчирилган жумласи, ўйлаб қараганда, ҳеч қандай қувончга йўл қўймаслик даражада қора маъноли эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бахтсиз, шўрли. Қора пешана. Бахти қора. — Азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди. Ойбек, Қутлуғ қон.

10 кўчма Оғирчилик, вазминлик билан боғлиқ бўлган; машаққатли, азоб-уқубатли, оғир. Оқ тангам қора кунимга яраб. Мақол. — Паранжи қурсин, мени шундай қора кунларга солди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Қора тер оғир меҳнат, қийналиш туфайли ҳосил бўладиган тер. Низомжон .. қора тегга ботиб, буғдой ўрди. С. Аҳмад, Уфқ.

11 кўчма Кўрқинчи, дахшатли, ваҳимали, мудҳиш. Қора хаблар. — Халқ кўзида бу — энг қора, энг мудҳиш, энг зolim маҳкама эди. Ойбек, Қутлуғ қон. — Намалар бўлгандан хабарим йўқ, бир вақт қора босандай бўлиб ўйгандим. Айний, Бухоро жаллодлари.

12 кўчма Жуда ҳам ёмон, разил, қабих; ёвуз; жинойи. Қора ният. — Фуод афанди танфурушлар гумаштаси бўлиб, қора умрини қора ишлар билан ўтказган қабих бир махлуқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ана шунда бу қора одат Қиз бахтига урган эди хат. Х. Олимжон.

13 кўчма Революцион ҳаракатга, демократияга қарши ҳаракат қиладиган, эскиликни ҳамоя қиладиган; реакцион. Замондан минг йил орқанда қолган қора жоҳиллар хоин қаламлари билан коммунизма ҳужум қиладилар. Ойбек, Нур қидириб. Мен Ашхободдаги запас эскадроннинг қора кучлар дивизиясини чақирдим. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

14 от, кўчма Нотўғри, ёмон, ноҳақ иш. Ўғлим, сен бир қадар оқ билан қорани ажрата оласан, ёзганларимни диққат билан ўқи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Рухонийлар ғазавот ҳақида жар солмоқдалар. Йўқ, энди халқни чағлтиши қийин. У оқ билан қорани билиб олди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. — Кишини уятга қолдирадиган, шарманда қиладиган иш, нарса, хатти-ҳаракат; доғ. Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас. Мақол. — Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Мақул:] Нарироқ турун, қорангиз юқади! И. Султон, Бургутнинг парвози.

15 от, кўчма Номига, шаънига доғ тушган, айбли киши; айбдор, гуноҳкор. || Бу ишни бизнинг звенодагилардан биронтаси қилганлиги аниқ эди. Ҳеч қим бўйнига олмади. Қарасам, бутун звено қора бўладиган, мен бўйнимга ола қолдим. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

16 Кўшма сўзлар ва сўз бирикмалари таркибига киради, мас. қора пул, қора чақа.

17 Қора (эркаклар исми).

◆ Кўз қораси кўз қорачиғи. Қитоб чиқарган дўстлар Худди ота-онамдек, Шунинг учун уни мен Сақлайман кўз қорамдек. Қ. Муҳаммадий. Кўзининг оку қораси қ. кўз. Қора курси қ. курси. Қора металлар чўян, пўлат, темир. Қора совуқ қ. совуқ 1. Қора экилар қ. экин. Қора қилиб (ёки тортиб) паноҳ тортиб; орқа қилиб, ишониб. Дилдорнинг ягона суянчиғи [бувиси] дунёдан ўтди .. бугун у кимсасизликдан зор-зор йиғлаб, меҳрибон Мелиқул отани қора тортиб, излаб келди. Ё. Шукуров, Қасос. Оралардан қора мушук ўтди оралари бузилди, муносабат ёмонланди.

ҚОРААНДИЗ Мураккаб гуллар оиласига мансуб, тоғ-адирларда ўсадиган, кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик.

ҚОРААРЧА Сарвлар оиласига мансуб игнабаргли дарахт ёки бута, арчанинг бир тури.

ҚОРАБАЙИР Отларнинг Ўзбекистонда ҳосил қилинган зоти ва шу зотга мансуб, салт миниладиган ёки аравага қўшиладиган, танаси қисқароқ, бели текис ва кенг, кўпинча тўриқ жийрон ёки саман от.

ҚОРАБАЛИҚ Чучук сувларда яшайдиган, қорни тирқишли балиқ.

ҚОРАБАРАК Кўпинча шўрхок ер-

ларда ўсадиган, кезде ва қишда туя ейдиган бута ўсимлик.

ҚОРАБОВУР Чўл ва даштларда яшайдиган, кўкраги қора тусда бўладиган каптарсимон ов қуши, булдурик.

ҚОРАБОШ Қорамтир тўпгулли, йўғон пояли қиёқ.

ҚОРАБУЗОВ Қурак оёқли қушлар туркумига мансуб йирик сув қуши.

ҚОРАБУРА Тўғонларга, сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боғлаб тайёрланган шох-шабба боғлари.

ҚОРАБУГДОЙ Бугдойнинг дони майда, паст нави.

ҚОРАВОЙ 1 Қурак оёқли қушлар туркумига, балиқхўр сувда яшовчи бир тур қуш.

2 Қоравой (эркаклар исми).

ҚОРАГУЛ 1 Қора гулхайри.

2 Унинг гулидан тайёрланган бўёқ. Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр махсиларни [Шокир ота] силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнғ қорасул суркаб уларга пардоз беради. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҚОРАДОРИ Кўкжорининг думбул бошоғи ширасидан қуритиб тайёрланадиган, қаттиқ маст қиладиган наркотик модда; таряк, афюн. Ҳожихон қорадори есалар — бирга еди. Ҳеч нарсадан ҳазар қилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОРАЖИГАР 1 анат. Организмда қон парчаларини ишлаб беришчи ва шу иш билан алоқадор турли вазифаларни бажарувчи орган; талоқ.

2 Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг шу органи (масаллик сифатида). Ҳасилга қоражигар солмоқ.

ҚОРАЙМОҚ 1 Қора тусга кирмоқ; қора рангга бўялмоқ. Зулуқдек бежирим ингичка қошлари янада қорайиб кўринади. Шухрат, Шинелли йиллар. Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади. А. Қаҳҳор, Анор. Йўлчи қуёш ва дала шамоли билан бироз қорайган. Ойбек, Қутлуғ қон. «Сув» деб навбат кутиб ётган гўзаларнинг барглари қорайиб шона ташлай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ёруғлик тушмай хиралашмоқ, қоронғилашмоқ; қоронғилик билан қоламоқ. Кун қорайди. Қош қорайиб қолди. Кўз олди қорайди. — Фотима .. ғиштин зинапояга аста кўтарилди-да, қорайган йўлакка кириб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Эртаси атроф қораяркан, Жондор вагончини ўз пинжига олиб, «суҳбат»га жўнади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бошқа нарсалардан ажралиб ёки ғира-шира кўринмоқ. Тоғ ёнбағирларида, қир ораларида онда-сонда қишлоқлар қорайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Остонада Қора Аҳмаднинг гавдаси қорайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ана у қорайиб турган кимнинг эшиги экан? А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

ҚОРАЙТИРИЛМОҚ қорайтирмоқ фл.

мажх. н. Унинг оғзи ярим очилиб, тишқоли билан қорайтирилган қоп-қора тишлари кўриниб турибди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҚОРАЙТИРМОҚ қораймоқ** *фл. орт. н.* Қошни қорайтирмоқ. Офтобда баданни қорайтирмоқ. — Бегона эркакнинг қўли оқ сочни қорайтирар эмиш. Таба қилдим. А. Қаҳҳор, Маййиз емаган хотин.

**ҚОРАЙТМОҚ қораймоқ** *фл. орт. н.* **ҚОРАКАЛТАК** *с. т.* Тўғри келган нарса билан қуролланиб уриш, уришиш; оломон. *Хирот томонидан ҳукумат қўшини ё қоракалтак оломони келиб қолса, .. ишга ҳалал етиши мумкин эди.* Айний, Қуллар.

**ҚОРАКАШ** I Олдинга ундалса орқага тисарилаверадиган, юрмайдиган; асбв (от ҳақида).

2 *кўча с. т.* Ҳжар, қайсар. **ҚОРАКАШЛИК қоракаш** *с. белги оти.* Қоракашлик қилмоқ.

**ҚОРАКЕСАК** Гўштнинг ёғсиз юмшоқ жойи.

**ҚОРАКОСОВ** Баъзи ғалла ўсимликларининг туғунагига тушадиган ва уни зарарлатирадиган паразит қора дончалар.

◆ **Қоракосов бўлмоқ қорайиб** кетмоқ.

**ҚОРАКУЯ** I Ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўладиган ва қозон остига, тутун йўлларига ўтириб қоладиган кую; қурум. *Трубаларни қоракуядан тозалмоқ.*

◆ **Юзига қоракуя суртмоқ** сазойи қилмоқ, жазоламоқ. *Жуманни суд ҳам қилармиз, юзига қоракуя ҳам суркармиз, бир умрга майиб ҳам қилармиз, майли, .. лекин қурилишга бундан нима фойда?* А. Мухтор, Туғилиш.

**ҚОРАКУЯ** II Ғалла экинларининг донига тушадиган ун.

**ҚОРАКЎЗА** Суғориладиган ерларда ўсадиган, бир йиллик сербарг ёввойи ўт; қорасули.

**ҚОРАКЎЛ** I: **қоракўл қўйи** асосан Ўзбекистоннинг Қоракўл районига етиштирилган, ҳозирги вақтда иқлим-шароитлари бошқа ўхшаш районларда ҳам тарқалган, қўзисидан жингалак юнгли мўйна олинадиган зотли қўй нави.

2 Шундай қўй қўзисининг юқори навли жингалак териси, мўйнаси. *Қоракўл тайёрлаш.* || *Қоракўл тери.* *Қоракўл қулоқчин.* *Қоракўл ёқа.* — *Ўктам шинель елкасидан ва «иерозий» қоракўл попогидан қорни қоқиб-суқиб, Сайрамовнинг кабинетига кирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚОРАКЎЛЧИ** Чоракўл қўйларини боқиш ва қоракўл териси етиштириш билан шуғулланувчи чорвадор.

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК** Чорвачиликнинг қоракўл қўйларини боқиш, кўпайтириш ва қоракўл тери етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири қоракўлчиликдир.* *Қоракўлчилик совхози.*

**ҚОРАЛАМОҚ** I Қора тус бермоқ, қора тусга киритмоқ, қора ранг билан бўямоқ, қора қилмоқ. *Матони қораламоқ. Ойнани қоралаб, қуёш тўтилишини кузатмоқ. Қаламни қораламоқ эск. савағич қаламни сиёхга ботирмоқ. Анвар ҳам мулойимгина кулимсираб олгач, .. яна қоламини қоралаб, қоғоз устига бир-икки калима ёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қоғозни қораламоқ** ёзиб қоғозни тўлдирмоқ, қора қилмоқ.

2 *кўчма* Айблаб, ёмонлаб гапирмоқ; ёмон, зарарли томонларини кўрсатиб сўзламоқ ёки ёзмоқ. *Бу билан мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Партия оммавий ишда бундай ҳайда-ҳайдачиликни доим қоралаб келган ва қоралайди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. | *юр. Судланувчининг айбдорлигини судда қувватлаб чиқмоқ; айб-ламоқ.*

3 Қўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб юрмоқ, қорама-қора бормоқ. [Зикир] *аёлга узоқдан салом ишорасини билдиргач, толлар орқасидан юриб, уни қоралаб келаверди.* Ш. Фуломов, Ерқин уфқлар. *Эргашев минган саман от қарчиғайдай қанот ёзиб учар, кийик сингари тошдан-тошга, қирдан-қирга сакрар, душманни қоралаб хезлар .. эди.* Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши.

**ҚОРАЛАНМОҚ қораламоқ** *фл. мажх. н.* Қораланган усул. *Ишга рамиятчилик билан қараш қатъиян қораланади.*

**ҚОРАЛАШМОҚ қораламоқ** *фл. бирг. н.*

**ҚОРАЛИК қора** 1,6—15 с. белги оти. *Бахти қоралик. Қўнгли қоралик. Ичи қоралик.* — [Кумушнинг] *камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсатган, бир оз бота тушган шаҳло кўзлари тагин ҳам тим қоралик, тагин ҳам нуриллик касб этган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚОРАЛОВЧИ** I қораламоқ *фл. ш. оти.* *Аҳмад Хусайн .. муҳаррир билан учрашувнинг оқибатини .. қораловчи ифодаларда баён қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *юр. Суд олдида судланувчининг айбдор эканлигини қувватловчи; айб-ловчи. Давлат қораловчиси. Жамоат қораловчиси.*

**ҚОРАМАЛДОҚ** Бошмалдоқ билан ўрта бармоқ ўртасидаги иккинчи бармоқ; кўрсаткич бармоқ.

**ҚОРАМАШОҚ** I Бир турли ўтсимон ўсимлик.

2 *диал. айн. қарға* 2. **ҚОРАМА-ҚОРА** *рш* Қўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб; изма-из. *Ҳайдарали эшакка минди, кўзини узмай қаландарнинг кетидан қорам-қора юрди.* Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

**ҚОРАМАҒИЗ** Қорачадан келган; қоратўр, қорача. *Қорамғиз ишит.* — *Ҳали узоқ бўлса ҳам унинг офтобда*

*пишган қорамғиз юзини кўриб турибман.* Ш. Отамуродов, Кўнғил. *Сўнагул қорамғиздан келган, мендан ёш, лекин бўйи тикроқ, .. қомати келишган қиз эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚОРАМОЙ** Нефтан бензин, керосин ва газолин ажратиб олингандан кейин қолган қуюқ қора суюқлик; мазут. [Асрора] *атлас кўйлагини қорамойга белаб тракторчининг орқасида эргашиб юрар, у тушилка чикқанда, сўрмай, тракторини ҳайдаб қоларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚОРАМОЛ** Шохли йирик уй ҳайвони (хўкиз, сигир). *Қир ёмбағирларида ўтлаб юрган қорамоллар ва қўй-эчкилар кўринади.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҚОРАМОЛЧИЛИК** Чорвачиликнинг қорамол боқиш ва кўпайтириш ҳамда улардан гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган соҳаси. *Қорамолчилик фермаси.*

**ҚОРАМТИЛ** *с. т.* Қорамтир.

**ҚОРАМТИР** I Қорага мойил, оч қора, сал қора. *Қорамтир булут. Қорамтир тутун.* — *Чуқур жар тубида қорамтир анҳор пишқириб, бўғиқ садо тартиб оқаётибди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тунги уфқ қорамтир бўлиб кўринар .. эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли, қорамтир ялғизлар, сершоҳ жамбиллар ўсан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қорадан келган; қорамғиз, қорача (одам туси ҳақида). *Ҳиндуларнинг туслари қорамтир, кўз-қошлари қоп-қора бўлади.* Айний, Қуллар. *Абдишукр манглайи тиришган, кўзойнакли. этсиз қорамтир юзи ишга ботган.. ориққина киши.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ҚОРАМУҒ** Қир-адирларда ўсадиган, уруғи пишганда қораядиган аччиқ ёввойи ўт.

**ҚОРАПАТАК** Қўй-эчкиларнинг тунаши учун гўнг қатлаמידан иборат тўшама.

**ҚОРАСОН** I *айн. гангрена.*

2 Чорва моллари ва ипак қуртларига қирғин келтирадиган юқумли касаллик.

**ҚОРАСУЛИ** *айн. қоракўза.*

**ҚОРАТОЛ** Тол дарахтининг навдаси қизғиш, чайир бўладиган нави.

**ҚОРАТОМОҚ** *диал. айн. жиблажи-бон* I.

**ҚОРАТЎР(И)** Қорачадан келган; қорамғиз, қорача. *Қизлардан қоратўрғина келгани ўрнидан туриб орқа этагини қоққан бўлди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Бу чиройли, қоратўри йигит йиш, Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Қаримов.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҚОРАЧА** I *сфт* Ранг-туси қорага мойил; қоратўр, қорамғиз. *Қорача йиғит.* || *Қорачадан келган айн. қорача* I. *Менинг назаримда унга айниқса .. қорачадан келган йиғит ёқиб тушганга ўхшарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 от, диал. Қора, авом халққа мансуб киши. «Кўзим очик экан қизингени қорачага бердирмайман! Берадиган бўлсанг олдин мени ўлдириб берасан!»— деб туриб оиди кампир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚОРАЧАКАК** Атиргулдилар оила-сига мансуб бута ўсимлиги.

**ҚОРАЧИРИҚ тар.** 1 Қўнгиллилардан ташкил топган, дуч келган нарса билан қуролланган номунтазам қўшин.

2 Шундай қўшин сафидаги жангчи.

**ҚОРАЧИҚ** Кўзнинг марказидаги кўз ичига нур ўтказувчи тешик. *Узоқларга боқар сузук кўзингиз. Нуктадай тор қорачиқдан оқар нур.* Ғ. Гулом. *Давлат мулкани, халқ мулкани кўз қорачиқдай сақлашимиз керак.* Уйғун, Навбахор.

**ҚОРАШАҚШАҚ** Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб сайроқи қуш.

**ҚОРАШУРА** Шўр ерларда ўсадиган ёввойи ўт.

**ҚОРАЯЛОҚ** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, гала-гала бўлиб учадиган қора қуш; чуғурчиқ.

**ҚОРАЎТ** (тўғриси қора ўт) айн. семиз ўт қ. семиз.

**ҚОРАҚАЙИН** Тоғли районларда ўсадиган, пўсти оч кул ранг, ёгочи қаттиқ йирик дарахт; шамшоднинг бир тури.

**ҚОРАҚАЛПОҚ** қ. қорақалпоқлар. *Қорақалпоқ тили. Қорақалпоқ халқи.* || *Қорақалпоқ аёл.*

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАР** Туркий тиллардан бирида сўзлашувчи, Қорақалпоғистон АССРнинг туб аҳолисини ташкил этган халқ; қорақалпоқ халқи.

**ҚОРАҚАНД** Тоғли жойларда ёввойи холда ўсадиган бута ўсимлиги ва унинг овқатга солинадиган қорамтир майда сершира, нордон меваси.

**ҚОРАҚАРАҒАЙ** Шох-шаббаси учли конус шаклида бўладиган, доимо яшил, игнабаргли дарахт ёки бута.

**ҚОРАҚАРҒА** [тўғриси қора қарға] қ. қарға.

**ҚОРАҚОВУҚ** Тоғли ерларда ўсадиган доривор ўсимлик.

**ҚОРАҚУЙРУҚ** айн. жайран.

**ҚОРАҚУЛОҚ** Мушуқлар оиласига мансуб, тумшуғи узун, қулоғининг учи қора йиртқич хайвон.

**ҚОРА-ҚУРА** Хар хил ва қорамтир тусдаги. *Ярим кечада қорлар орасидан қора-қура нарсалар кўрина бошлади.* О. Хусанов, Чўлда. *Ошхона кўримсизгина бўлиб, ичидаги кир, қора-қура доғлар тушиб кетган узундан-узун столлардан ҳамшира ёр аралаш совун ҳиди келиб турарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Янгигина «эм-ка»нинг атрофида қора-қура .. болалар шўхлик қилишади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚОРАҚУРТ** Қорамтир тусли, заҳарли чўл ўргимчаги.

**ҚОРАҚУШ** Қора патли чўл бургути.

**ҚОРАҚЎТИР** Тузалиб битаётган яра бетига, ўрнида ҳосил бўладиган қаттиқ ўлик тўқима қатлами.

**ҚОРАҒАТ** Баъзи турлари зийнат учун, баъзи турлари эса меваси учун ўстириладиган бута ўсимлиги ва унинг сершира, ширин ёки нордон-ширин, кўпинча қизил ёки қорамтир меваси.

**ҚОРБЎРОН** Бир-бирига қор юмалоқлаб отиш (ўйин). *Қорбўрон ўйнаган қиз ҳам қўрқадими? Юраверинг. Мен кафил.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ҚОРДИРМОҚ** қормоқ фл. орт. н. **ҚОРИ** [а] 1 Қуръонни қироат билан ёддан ўқувчи киши. *Қуръонни бошдан-оёқ ёд олган «қорилар» .. рўза оида пул ишлаб қоладилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қози ёнидаги Асад қорига юзланди: — Имом домла, ўқинг-чи, нима битибди буёнга.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қўзи ожиз, кўр киши (хурмат юзасидан уларни шундай атайдилар).

**ҚОРИЛИК** қори 1 с. касб оти. У, *мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиш насиб бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚОРИЛМОҚ** қормоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Терт яхши қорилди. Чойга толқон қорилди. Сутга қорилган ҳам-мир.* — [Ҳакимбойвачча] *қаймоққа қорилган нонлар билан тўла дастурхон ёшиб, аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Папирос аллақачон тупроққа қорилиб кетган бўлса ҳам, ҳамон ўша ерни оёғи билан асабий эз-гиларди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Унинг тупроққа қорилган гавдаси юқоридан юмалаб тушиб шу ерда тўхта-ганига гувоҳ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚОРИН** (3-ш. бирл. қорни) 1 анат. Инсон ва хайвонларнинг қопчасимон овқат ҳазм қилиш органи; ошқозон, қурсоқ. *Қорин бўшлиғи. Қорин ости беzi. Қорин пардаси.* — *Қорин овқат ҳазм қилиш трубкасининг энг кенгайган қисмидир.* «Анатомия». *Хозир .. қўй-қўзилар кунни билан қоринларига йиққан овқатларини балайлихотир ётиб, кави қайтараётгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Хайвонларнинг масаллиқ сифатида ёки идиш сифатида ишлатиладиган шу органи. *Қоринни ювиб тўғрамоқ.* — *Хуржунининг икки кўзини тўлғазиб қоринда мой келтирадиган қишлоқи мурид Тиллабой келиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Тананинг ошқозон жойлашган қисми. *Қоринни силамоқ.* — *Уч маҳ-бус .. кишанбанд қўлларини қоринлари устида жуфтлаб, гангиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хўкизнинг қорни икки ёққа чамбарак бўлиб чиққан, энди ўрnidан кўзгала олмай .. ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қорин солмоқ** (ёки қўймоқ) семирмоқ, йўғонлашмоқ.

4 *кўчма* с. т. Қорни катта, қориндор.

*Қуроланинг, ишчилар!* *Битсин қон-хўр қорин бойлар.* Ҳамза.

5 *кўчма* Тирикчилик, ейиш-ичиш; қурсоқ, жиғилдон. *У фақат қоринни ўйлайди.* — *Матқовул ака, мен нон топармиканмая деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кўчма* Оғзи тор идишининг кенгайган, йўғон қисми. *Бутилканинг қорни. Кўзнинг қорни. Самоварнинг қорни. Чойнакнинг қорни.* — *Ҳамиша Қодировнинг столида қорни катта графин сув билан тўла турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 с. т. Бачадон. *Менам қўзиларни онасининг қорнидан тушиши билан ажратганим йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой. **Онасининг қорнида** 1) хали бачадонда, туғилгани йўқ. *У келганда сен чақалоққидинг ё онанг қорнидаминг.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) *кўчма* мутлақо йўқ, ер юзида топилмайди. *Менинг устимдан ариза ёзадиганлар онасининг қорнида, афандим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Онасининг қорнида** ётгандай жуда тинч, беташвиш. **Бир қориндан талашиб тушган** бир онадан туғилган.

**ҚОРИНБОҒ** Отнинг қорни остидан ўтказиб арава шотисига боғланадиган энлик тасма; қоринбоғич, таккаш. *Қобилбой аравага қўйишлик отнинг бошини силаб эркалади, анжомларини кўздан кечирди, қоринбоғини қаттиқ тортиб боғлади.* Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

**ҚОРИНБОҒИЧ** 1 Яктак, тўн ва ш. к. кийимларнинг тугма ўрнида ишлатиладиган боғичи.

2 айн. қоринбоғ.

**ҚОРИНДОР** 1 Қорни катта, қорни дўппайиб чиққан; йўғон. *Тожиддин Қосим бўйи шипга етеудай, қориндор, ола кўз, ботиқ пешана, кўсанамо, қирқ беш ёшлардаги киши.* Ойбек, Нур қи-дириб.

2 Қорни катта, сифимли. *Собир .. ўчоқдаги қориндор қўшалоқ қумдон остига қуруқ хас-чўп ташлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚОРИНЧА** қорин 1—3, 5 с. кичр. **Мия қоринчаси** анат. мия бўшлиғи. **Юрак қоринчаси** анат. юракнинг қон томирларида қон ҳаракатини бошқарувчи қисми.

**ҚОРИХОНА** [а+ф-т] 1 Қуръонни ёддан ўқувчи қорилар тайёрлайдиган эски мактаб. [Султонбек:] *Бир ўғлим қорихонада ўқийди. Бир ўғлимни Хадрадаги ўрис мактабига бердим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Масжиднинг қуръон тиловат қилиш учун ажратилган бўлмаси; қироатхона. [Қори] *секин-секин қорихонадан чиқиб келди ва нарида ўптириб қуръон ўқиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚОРИШИҚ** Аралашиб, қоришиб кетган, аралаш-қуралаш. *Қоришиқ фикрлар.*

◆ **Қоришиқ ундош** лингв. портловчи ва сирғалувчи товушдан таркиб топган



мураккаб ундош, мас. ц ( $m+c$ ), ч ( $m+ш$ ) каби.

**ҚОРИШМА 1** Суюк ёки майда заррала сочилувчан нарсаларнинг ўзаро аралашуvidан, қоришуvidан ҳосил бўлган модда; қоришиқ масса. *Гўнг билан ўғит қоришмаси. Асал билан сариёғ қоришмаси.*

2 айн. бўза II. Цемент қоришмаси. Оҳак қоришмаси. Қоришма билан ғишт термоқ.

**ҚОРИШМОҚ 1 қормоқ** фл. бирг. н.

2 Аралашиб, қўшиляб, бир бўлиб кетмоқ; аралаш-қуралаш бўлиб фарқини йўқотмоқ. *Гап қоришиб кетди. Фикр қоришиб кетди.* — Пилдироқ кўзли одамлар йўқ эмас, аммо уларнинг оқи-қораси ажралиб туради. Бунинг кўзи пилдираётганда — ҳаммаси қоришиб кетади. И. Раҳим, Хилола.

3 (ж. к. билан) Беланмоқ, бўялмоқ, ботмоқ. *Лой ва тупроққа қоришган жангчиларни танимоқ қийин эди. Ойбек, Куёш қораймас. Таниш зангори дурра тупроққа қоришиб ётибди. Х. Ахророва, Орифнинг давлати. Улим билан олишганларнинг, Жангда қонга қоришганларнинг Хайкалдир! Кураш ёдгори — Меҳнат севган халқ ифтихори. Э. Раҳим.*

4 Овора, банд бўлмоқ. *Кумушибиби .. ошхона юмуши билан қоришиб ётган онасининг олдига борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Турғун:] Оббо, Муҳаббат-эй .. Роса меҳнатга қоришиб қолибсиз-да, а? Мунча ўзингизни уринтирмасангиз? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

5 *кўча* Бош суқмоқ, суқилмоқ, аралашмоқ, қотишмоқ. *Жанжал бўлса қоришмам. Ҳамза. Сен бу ишга иккинчи марта қоришма. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ҚОРИШТИРИЛМОҚ қориштирмоқ** фл. мажж. н. Яхшилаб қориштирилган бетон.

**ҚОРИШТИРМОҚ қоришмоқ** 2, 3, 5 фл. орт. н. Бетонни обдан қориштирмоқ. *Фикрларни қориштирмоқ. Лойга қориштирмоқ. Қора қонига қориштирмоқ.* — Ҳамма ёқни қора тупроққа қориштириб юборган йўқдорининг қўланса ҳиди тугиб кетди. Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. Бадбахтни икки киши билан тупроққа қориштириб кетувчи Отабек экан! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚОРИШТИРГИЧ** Бирор нарсани қориштирувчи асбоб, мослама ёки машина.

**ҚОРИҚ** Табибчиликда қон олиш учун ишлатиладиган асбоб; қортиқ. *Қориқ солмоқ.* — *Қориқ деан хўкиз ёки сигирнинг шохидан ичини ўйиб ташлаб икки томони тешиқ қилинган бир асбоб. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

**ҚОРИҚЧИ** Қориқ солувчи табиб. **ҚОРИЛИ 1** Қори бор, қор билан қопланган. *Қорли тоғлар чўққисидан боқади қўёш. Ғайратий.*

2 Қор ёниб турган, қор ёғаётган. *Қорли тун.*

**ҚОРМОҚ 1** Суюк ёки майда заррала сочилувчан нарсаларни бир-бирига аралаштирмоқ, қориштирмоқ. *Талқонни шакар билан қормоқ. Қатиққа шакар қориб ичмоқ.*

2 Обдан аралаштириб егилтирмоқ, ийламоқ, пишитмоқ. *Лой қормоқ. Хамир қормоқ.* — *Ефим Данилович бетон қораётган ишчилар томонга қараб қичқирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қўй суги, қўй мойига унадек урни қориб, Илтиллама хамирни Қўш това аро солиб — Қўмма қилади дарров, Шувоқ илдиэни ёқиб. Қ. Муҳаммадий.*

3 Булғамоқ, бўямоқ, ботирмоқ; қориштириб бир қилиб юбормоқ. *Лойга қормоқ.* — *Сел ғўзаларимизни, .. меҳнатимизни ҳам тупроққа қориб олди-кетди-ю, аммо юрак кўримизни, виждонимизни оқизиб кетгани йўқ. Й. Шамшаров, Қўрк меъмори. | Қўймоқ, ботирмоқ. Чўпонни севолмадим, Ҳеч кўнгил қўйлмадим. Ғурбатга қорганимнинг Девга юборганимнинг сабаби шунда эди. Х. Олимжон.*

**ҚОРОВУЛ 1** Бирор объектни иш тугагандан кейин ва тунги вақларда қўриқлаш учун қўйилган киши; посбон; соқчи. *Магазин қоровули. Қоровул бўлиб турмоқ. Қоровул қўймоқ.* — *Хуштак, шақилдоқ чалаан танҳо қоровул қўлқалари унда-мунда учраб қолар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Бирор жойда тартиб ва тозаликни сақлаб турувчи ходим. *Мактаб қоровули.*

3 *ҳарб.* Бирор объектни сақлаш, муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган ҳарбий бўлинма. *Гарнизон қоровули.* — *Қоқ ярим кечада қоровулар тरेвога кўтаришди. Ойбек, Куёш қораймас. Боязи дарвоза устида кўринган қоровулар ҳамон қора ҳайкал каби қотиб турар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Нишонга олиш учун милтиқ, пистолет каби қуролларнинг стволи учига ўрнатилган бўртиқча. *Қоровулга қўндирмоқ.* — *Аҳмаджон шошмасдан милтигини ўнглади. Ўзоқдан думсиз калтакесакжа ўхшаб кўринган фашистни қоровулга қўндириб, тепкини босди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ҚОРОВУЛБЕГИ тар.** Ўрта Оснё хонликларида: қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи.

**ҚОРОВУЛЛАМОҚ** Қоровул туриб сақламоқ, қўриқламоқ. *Омборни қоровулламоқ. Полизни қоровулламоқ. Чорвани қоровулламоқ.*

**ҚОРОВУЛЛИК 1 қоровул с. касб оти.** *Қоровуллик қилмоқ.* — *Оз ерли ва ерсизлар чоракорлик, қоровуллик ёки бошқа бирор касб билан машғул эдилар. Айний, Эсдаликлар.*

2 Ҳарбий қоровул хизмати.

**ҚОРОВУЛХОНА** Ўз вазифасини бажараётган қоровул турадиган ёки дам оладиган хона, жой. *Ҳамгани гуноҳ-*

*қор қилиб, қоровулхонага олиб бориб қамаб қўйдилар. «Гўрўғли». Шербек қоровулхонадан чиққач, тўғри Қизилжарга жўнади. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ҚОРОВУЛЧИЛИК** айн. қоровуллик 1.

**ҚОРОНҒИ 1** Қоронғилик босган, қоронғиликка чўмган, зиёдан, нурдан махрум бўлган. *Қоронғи кеча. Қоронғи уй.* — *Узун, қоронғи йўлакдан чиққач, Унсин тўхтади. Ойбек, Қутлуғ қон. Дарча очилиши билан қоронғи хўжрага совуқ ёпирилиб кирди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. || Уйнинг ичи қоронғи. Ҳамма ширин уйқуда. Ж. Саидназаров, Тиллахоннинг қувончи.*

2 *от* Ёруғлик, зиё бўлмаган пайт, ҳолат; қоронғилик, зимистон. *Тун қоронғиси. Тонг қоронғиси. Қоронғи туниди.* — *Ой ҳали чиқмаган, фақат унинг заиф нури қоронғидан кўрққандек, .. йилт-йилт этиб кетади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Анзираг хола .. ўзидан-ўзи жаараб, қоронғида ширсиб юрарди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

3 *кўйма* Ноаниқ, номаълум; шубҳали. — *Иним, — деди Абдукарим ака Ботираниннинг қўлини қўйиб юбормасдан, — бўлисимизнинг қоронғи ишлари кўп. Х. Ғулом, Машбал. || Сўхбат ким ҳақида ва нима ҳақида борганлиги қоронғи. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Муродовнинг назарида чап томонда ўтирган бюро аъзолари Халиловнинг қўши қаноти. .. Ўнг томонидагиларнинг фикри унга қоронғи. И. Раҳим, Ихлос.*

4 *кўйма* Рўшноликдан холи, қайғули, нохуш, кўнгилсиз. [*Саодат:*] *Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронғи. Ойбек, Қутлуғ қон. У эри деб ишдан ажралди, дугоналаридан жудо бўлди. Эр бўлса муздай совуқ, тундай қоронғи; хотинини асло севмайди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Дунё (ёки жаҳон) кўзига қоронғи у қаттиқ хафа, унга ҳеч нарса татмайди, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Мунаввар уч қунлик келинлигида бир гап эшитди-ю, бу дунёси қоронғи бўлиб кетди. С. Анорбоев, Меҳр. Машаққатли юришлардан зериккан хотини ғингшийвериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди. М. Осим, Искандар ва Спитамен.*

**ҚОРОНҒИ-ЗИМИСТОН** Ҳеч нарсани ажратиб бўлмас даражада қоронғи, жуда қоронғи; зимиз. *У қоронғи-зимистондан бирдан чиққандек ҳеч нарсани кўролмай қолди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ҚОРОНҒИЗОР** Қоронғилик, зулмат босган жой. [*Отабек*] *иш қоронғизор билан қўйилиши кетгандек ва қоронғиликнинг қучоғига кира боргандек мезазорнинг ичкарисига юра борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ҚОРОНҒИЛАМОҚ** Қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ. *Деразаларни тўсиб, уйни қоронғилатмоқ.*

**ҚОРОНҒИЛАНМОҚ қоронғиламоқ** фл. ўзл. ва мажж. н. Олимжон дарвозани

ёнди, узун йўлак қоронғиланди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қутидорнинг] кўз йнглари қоронғиланиб бир неча вақт серрайганича қолди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚОРОНҒИЛАТМОҚ 1 қоронғиламоқ** фл. орт. н. айн. қоронғиламоқ. Дераза ва эшикларга парда тутиб уйни қоронғилатиш.

2 кўча Ноаниқ қилиб кўймоқ, хиралаштирмоқ (маъно, тушунча ва ш. к.ни). Оҳангни келиштираман деб, маънони қоронғилатиб кўйибди. А. Қахҳор, Сароб.

**ҚОРОНҒИЛАШТИРМОҚ 1 қоронғи ёки қоронғироқ бўлиб бормоқ, тобора қоронғилик билан қопланмоқ, зулматга, қоронғиликка чўймоқ. Атроф-теварақ қоронғилашиб қолган. Унда-мунда мушаклар ярқирайди. Шухрат, Шинелли йиллар. Уч қулоч илгариллаш билан унғур ичи анча қоронғилайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўп йтмасдан кундузнинг кўзи юмилди. Урмон ичи бирпасда қоронғилайди. Ойбек, Күёш қораймас.**

2 кўча Ноаниқлашмоқ, хиралашмоқ; чигаллашмоқ (маъно, тушунча ва ш. к. хақида). Масала ойдинлашмади, балки янада қоронғилайди.

◆ Кўзига дунё (ёки жаҳон) қоронғилашди қаттиқ хафа бўлди, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Зиедилла қамоққа олингандан кейин олам кўзига буткул қоронғилайди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ҚОРОНҒИЛАШТИРМОҚ қоронғилашмоқ** фл. орт. н. Уйни қоронғилаштирмоқ. Масалани янада қоронғилаштирмоқ.

**ҚОРОНҒИЛИК 1 қоронғи 1,3 с. белги оти. Туннинг қоронғилиги. Ҳорнинг қоронғилиги. Масаланинг қоронғилиги.**

2 Нур, зиё бўлмаган жой, пайт, ҳолат. Қоронғиликда тўқнашмоқ. — Кеч кириб қоронғилик тушганда, Ҳуройим кўзини очиб қаради. «Рустам». Күёш ботганича анчагина бўлган. Қоронғилик қуюқлаша борар, кўкдаги юдузлар чамани ҳам борган сайин ёрқинроқ чақнар. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўча Ғашлик; ташвиш, ғам; зулмат. Ҳасак овчининг кўнглини қоронғилик қолади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҚОРОТҚИ** диал. Қўғирчоқ қўриқчи. **ҚОРТИҚ** айн. қорик.

**ҚОРХАТ** этн. Биринчи қор ёққан кунни зиёфат беришни таклиф қилиб таниш кишиларга олиб бориб бериладиган мактуб (қорхат олган киши хат олиб келган кишини ушлаб олса, зиёфат қорхат ёзган киши томондан берилди). Тансиқ қорни ғанимат биллиб, катталар ўз дўстларига қорхат ёзиб, ўзига хос нашъа-завқ бағишловчи кишики зиёфатларга юра бошлаганлар. Ойбек, Навоий.

**ҚОРҒИ** Қайиш бўйинбоғ.

**ҚОРҒИЧ** айн. қориштирғич.

**ҚОСИД** [а] эск. кт. 1 айн. хабарчи.

Борсанг қўйиға, қосидо, айғил Муқимийдин дуо. Муқимий.

2 Қасд қилувчи, интилувчи.

**ҚОСИР** [а] кт. Қусурли, қисқа, калта. Ақли қосир.

**ҚОТГАН-ҚУТГАН** Қотирилган ёки қотиб қолган ҳар хил бурда-сурда. Қотган-қутган нон.

**ҚОТИЛ** [а] Одам ўлдирувчи ёки ўлдирган киши. Унинг .. қонини даъво қиладиган кишиси бўлмаганидан ҳуқумат унинг қотилини топиш учун ортиқча ҳаракат қилмади. Айний, Эсдаликлар.

**ҚОТИЛЛИК 1 қотил с. маъв. от. Қотиллигини бўйнига олмоқ. — Заҳар бермоқ учун сайланди Мансур. Нечук инсонки, қотилликка мағрур. Ҳабибий.**

2 Одани ўлдириш. Қотиллик қилмоқ.

**ҚОТИЛМОҚ 1 Қоринмоқ, аралашмоқ. Кун ботарда, кун чиқарда ботирлар Ёв устига яшиндайин отилди. Байроғимиз бир он қўлдан тушмади, Бўз тупроққа қизил қонлар қотилди. Шайхзода.**

2 Аралашмоқ, суқилмоқ (гапга, суҳбатга).

**ҚОТИРИЛМОҚ қотирмоқ** фл. мажҳ. н.

**ҚОТИРМОҚ 1 қотмоқ 1—6, 9, 10 фл. орт. н. Нон қотирмоқ. Совуққа қотирмоқ. — Гўштини пиширмай, қотирмай учаламиз еб бўлдик. «Эртақлар». Гоҳо тоғ томондан қуруқ ва ачиқ изғирин эсар ва .. қўёида шилта бўла бошлаган қишлоқ кўчаларини даранглатиб қотириб ташлар, эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.**

2 кўча с. т. Ўрнига келтириб ижро этмоқ, жуда яхши бажармоқ, ўринлатмоқ, дундирмоқ, бошламоқ, қойил қилмоқ. Ишни қотирмоқ. Гапни қотирмоқ. — Фельетонингизни ўқидим. Жуда ... қотирибисиз! О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. — Зап хунарда, бўпти, чегачи бўламан! — эди Турғун, ййлаб. — Қара, бирпасда қотириб ташлади, пулни сипиради-ку! Ойбек, Болалик. У [Хўжаев] ҳамфирларини даб-дабали сўзлар билан қотириб танқид қилаётгандек бўлар, аслида эса уларга хушомат қиларди. А. Мухиддин, Юзга айтганнинг захри йўқ.

◆ Бошни қотирмоқ қ. бош. Энсани қотирмоқ қ. энса.

**ҚОТИШМА** тех. Турли металл ва металлмас моддаларнинг эриган ҳолда ўзаро қўшиливи ёки аралашувидан ҳосил бўлган модда. Мис билан никелнинг қотишмаси. Мис билан қалай қотишмаси.

**ҚОТИШМОҚ 1 қотмоқ 2, 3, 7, 8 фл. бирг. н. Улар хандон уриб қотишди. — Қизиқ бир вазиятда бир зумгина қотишарди.** Ойбек, Навоий.

2 тех. Қотишма ҳосил қилмоқ.

3 Ўзаро муносабатга кирмоқ, бирга иш, ҳаракат қилмоқ. «Қатта», «кичик» поражур — иккөө ишда қотишди. «Муштум», 1960, № 5. |Аралашмоқ,

суқилмоқ, кўшилмоқ. Тиниб-тинчимайди. Ўз иши етмагандай, бошқаларнинг ишига ҳам қотишиб юради. Ҳ. Назир, Узр отахон. Гап (ёки сўз) қотишмоқ бир-бирига гапирмоқ, ўзаро гаплашмоқ, сўзлашмоқ. [Қодир ва Лена] йўлнинг қолган қисмини гап қотишмай, жимгина босиб ўтишди. К. Файзуллин, Йўл.

**ҚОТИШТИРМОҚ қотишмоқ 2, 3 фл. орт. н. Металларни қотиштирмоқ. — Олам ҳодис, қўлга тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйинига олиб, орага мени қотиштирмайсан! А. Қодирий, Утган кунлар.**

**ҚОТМА 1 Ориқ, камгўшт, аммо серпай, пишқ. У [вақил] қоп-қора, қотма, вуҷуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Қотмадан келган қотма, қотмароқ. Тош супадада .. қотмадан келган новча бир киши хаёлга чўмиб ўтирар эди. Туйғун, Найчининг қалби.**

2 Териси суягига ёпишган; озғин, ориқ. Салтонбу ғаму ғуссадан, муҳтожлик ва доимий очликдан сўлишиб кетган қотма юзини чўғилловчи қулгидан ўзини туптолмай қулар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚОТМОҚ 1 Қаттиқ ҳолга келмоқ, қаттиқ бўлмоқ. Алебастр тез қотади. Елим қуриб, қотиб қолибди. Қотган нон. — Улар ўз қадамларининг тарашида қотган ер билан уришиб тарақлашадан бўлак шарпа эшитмасдилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Йўлчи қотган қорни ғарч-ғурч босиб, .. кеза бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.**

2 кўча Кўрқув, ҳайрат ва ш. к.дан серраймоқ, бир вазиятда тўхтаб, туриб қолмоқ, қимирламаслик. Сулува, яшин уриб кўмирга айланган чинордай, жонсиз, ҳушсиз қотиб қолди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. У [Аҳаджон] нима дейишини билмай, серрайганича ҳайкал бўлиб қотиб қолган эди. Ф. Насриддинов, Кўнгл. Ширмондон шошиб ўрнидан турди, Мақсуданинг қотган, саволи кўзига қарамасдан, Маҳмуднинг орқасидан юрди. С. Зуннуова, Олов.

3 Қаттиқ совқотмоқ, тўнғмоқ, музламоқ. Совуқдан боланинг оёқ-қўли қотиб кетибди. — Қотиб ўласанми, ҳароми, исинмасанг нима қилади? Ойдин, Ҳазил эмиш. Айниқса куз, қишининг қор ёғирғарчиликларида лойга ботиб, совуққа қотиб кўп азобларни чеккан. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

4 Толиқмоқ, толмоқ, чарчамоқ. Осмонга қарайвериб бўйиним қотиб кетди. Тикка туриб қолиб оғим қотиб кетди.

5 Пишиқмоқ, чиниқмоқ. Унинг тани қўёида қорайди, мускуллари қотди. **Суюги қотган 1)** суюги қаттиқ ҳолга келган, ўзини тутая оладиган бўлган. **Суюги қотмаган бола; 2)** пишққан, чиниққан. Унинг суюги меҳнатда (меҳнат билан) қотган. — Ешлиқдан суюги деҳқончилик билан қотди. Н. Шаламова, Ажойиб ҳаёт саҳифалари.

6 Урганиб, кўникиб бефарқ бўлиб қолмоқ. *Унча-мунча гапни эламайди, бети қотиб қолган. Сўкаверсанг бети қотар, ураверсанг эти қотар.* Мақол.

7 *Кўйма* Ичак узилгудек, нафас қайтгудек қаттиқ ва тўхтовсиз кулмоқ ёки йиғламоқ. *Унинг гапига роса қотдик. Бола қотиб-қотиб йиғлар эди.* — *Алексей ва Элмурод унинг ҳиқоясини ҳузур қилиб тинглаб, кула-кула қотдилар.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Бобом кулгидан қотиб қолади.* Ойбек, Болалик.

8 Аралаштирмоқ, қориштирмоқ, қормоқ. *Бориб кирсам майдонга Аччигим тарқатсам, деб Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қотсам, деб.* «Равшан».

9 Ориқламоқ, озмоқ. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга турнадек қотиб кетяпти ўзи.* О. Хусанов, Най.

10 *Кўйма* Бир савияда тўхтаб қолмоқ. *Адабиёт қотиб қолган бир нараса эмас, у доим такомиллаша боради.* — *У эски, сунъий йўлдан юрган, шеърда қотиб қолган, ҳозирги ҳаёт маъносини тушунмайдиган, ғафлатда бўлган қофиялрларга, қалбаки шоирларга қамчин сола бошлади.* Ойбек, Нур қидириб.

◆ **Боши қотди қ. бош. Донг қотмоқ қ. донг** П. Мияси қотди айн. **боши қотди қ. бош. Тили қотган** тили айланмайдиган, келишмайдиган бўлиб қолган. *«Одамнинг ёши ўтиб, тили қотиб қолгандан кейин ўқий олмайди»,— деган гапга ишониб юрар эдик.* П. Турсун, Ҳқитувчи. **Тонг қотмоқ айн. донг қотмоқ қ. донг** П. **Тун қотмоқ диал.** тун бўйи ухламай тонг оттирмоқ. *Гапи адо бўлмайдиган балого йўлиқдик, ўзимиз тун қотиб, йўл юриб келиб эдик.* «Алпомиш». **Энсаси қотди қ. энса. Ҳаром қотмоқ с. т.** ҳаром ўлмоқ. *Менинг бир улоқчи отим бор эди. Энди отми, бай-бай! Яқинда ҳаром қотди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҚОТРАНҒИ** Тоғли Ерларда ўсадиган, ёғочи оғир, қаттиқ, меваси ейишли дарахт ёки бута; тош дарахт.

**ҚОТҚОҚ** Қатқалоқ ёки музлаган қаттиқ ер. *Эшак юрар қотқоқда, маълум бўлар ботқоқда.* Мақол.

**ҚОФ** [а]: **Кўхи Қоф** гўё ер юзини ўраб олган деб фараз қилинган афсонавий тоғ. *Ҳаёти сарсарликда кечган одамлар учун у йиллик азобу уқубатни бовидан кечирши Қоф тоғини елкага ортмоғлаб юриши билан баробар.* К. Алиев, Мараз. *У девнинг таърифини зитганмиз, у «Кўхи Қоф» мамлакатада соф усталарни тўплаб, паланг от қилдирган.* «Муродхон».

**ҚОФИЛА** [а] эск. кт. Сафардаги кишилар тўдаси; эск. *Фосих афанди извоши орқасидан йўлга чиққан қофила от бозори гузарига келиб тўхтади.* М. Исмоний, Фарғона т. о. *Қофила кетди, манзилга етди, мен ҳам аларга етгани келдим.* Машраб.

**ҚОФИЯ** [а] I Мисралар охиридаги

оҳангдош, талаффузи ўхшаш сўзлар, бўғинлар ёки бирикмалар. *Шеърни қофияга солмоқ. Сўзларни ўзаро қофия қилмоқ.* — *Тўла оҳангдош бўлган сўзлар ёки ҳижоаларнинг қофияланиши тўқ қофия ёки тўла қофия деб аталади.* «Адабиёт назарияси».

2 Шеър ўлчови; вазн.

3 Шеърдаги қофиядош сўзларнинг охириги ҳарфи.

4 эск. Шеър ёзмиш ҳақидаги таълимот.

◆ **Қофияси келганда с. т.** гап келганда, ўрни, пайти келганда, тўғри келиб қолганда. *[Аширмат:] Қофияси келганда айта қолай, мен остонанга қулликка келдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Қофияси билан с. т.** қаттиқ тегмайдиган қилиб, ётиги билан. *[Не-тайхон:] Нусрат аканг шунчалик қилгандан кейин сен ҳам гапни қофияси билан гапирсанг бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**ҚОФИЯБОЗ** [а+ф+т] Қофияга берилиб, шеър маъносига, мазмунига эътибор бермайдиган нўноқ шоир. *У ҳозирги замонда форсча ёзадиган шоирларнинг ўндан тўққизи қофиябозлар бўлиб кетганини жуда осон исбот қилди.* Ойбек, Навоий.

**ҚОФИЯДОШ** [а+ф+т] Ўзаро қофияланувчи, талаффузи ўхшаш, оҳангдош. *Қофиядош сўзлар. Қофиядош бўлмоқ.* — *Бу халқ қўшиғида, «сайрайди» сўзи «яйрайди» сўзи билан оҳангдош, яъни қофиядошдир.* «Адабиёт назарияси».

**ҚОФИЯДОШЛИК** қофиядош с. беги оти. *Сўзларнинг қофиядошлиги.*

**ҚОФИЯЛАМОҚ** Қофия қилмоқ; қофияли қилмоқ, қофияга солмоқ. *Шеърнинг иккинчи мисраларини қофияламоқ.*

**ҚОФИЯЛАНМОҚ** I Ўзаро қофия, қофиядош бўлмоқ, бир-бирига қофия бўлиб келмоқ. *Қофияланмайдиган сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланмоқ, қофияли бўлмоқ. *Рубоийда биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар қофияланади. Тўрт мисраи қофияланган тўртлик мурабба дейилади.*

**ҚОФИЯЛИ** I Ўзаро қофияланувчи, қофиядош. *Қофияли сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланган, қофияси бор. *Ғазалда мисралар ўзаро қофияли бўлади.*

**ҚОЧИЛМОҚ** I **қочмоқ** I 1, 1, 3—5 фл. *мажх. н. Олиб қочилган Гулнорни қутқариб, уни [Салимни] шарманда қилаётган номтаълум йигит — Йўлчи экан.* Ойбек, Кутлуғ қон.

2 **қочмоқ** 1, 3, 5 фл. *ўзл. н. Расми, ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

**ҚОЧИРИЛМОҚ** I **қочирмоқ** I фл. *мажх. н. Кун кўздан қочирилди. Захи қочирилган ер.*

**ҚОЧИРИЛМОҚ** II **қочирмоқ** II фл. *мажх. н. Қочирилмай қисир қолган сизир.*

**ҚОЧИРИМ** I Бирор кимса, нараса, воқеа ва ш. к.га ишора қилиб айтилган рамзли гап, шима; қочирма. *У .. нариги сўридаги машиқлар билан ўтирган ҷиғир Абдурахим ошпазни қочирим билан аския қила бошлади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка. *[Зайнобиддин] баъзида ондаккина қочиримга ҳам оғзи қулоғида ҳирр-ҳирр кулади.* Мирмуҳсин, Тирик товон.

2 Истеҳзо, киноя, пичинг, кесатиқ, қочирма. *Муборак шу гапга ҳам хандон уриб кулди. Турсуний Дилбарнинг бу гапи қочиримми ё мақталми — тушунмас эди.* Н. Сафаров, Узоқни қўзлаган қиз.

3 муз. Куйдаги оҳанг нозикликлари; нозик оҳанглар, товушлар. *Ўзбек миллий куйлари нозик қочиримлари билан нотага олинди.*

**ҚОЧИРИҚ** айн. **қочирим** 1, 2. *Шеърбекининг нимаза қочирма қилаётганини пайқаб қолган Жалил қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гоҳида йигитлар ҳам келиб қўйишлиб, аския, қочирмақлар бошланарди.* Ф. Мусажонов, Хури. *[Бу] қочирмақ гап Бўрбойнинг суяк-суякларигагина зирқиратиб юборди.* М. Назаров, Олтин бошоқ ишқида.

**ҚОЧИРМА** Қочирмақ, қочирим. *Шоир Туробий дўстларини суюниб қарши олди. Бир неча қочирма гаплардан кейин болохонага таклиф этди.* Ойбек, Навоий. *Қўзининг қочирма гаплари қулоғининг тагидан кетмади.* Ё. Шукуров, Уч савол.

◆ **Марказдан қочирма тех.** марказдан радиус бўйлаб ташқарига йўналган. *Марказдан қочирма куч. Марказдан қочирма насос.*

**ҚОЧИРМОҚ** I **қочмоқ** I фл. *орт. н. Ернинг захини қочирмоқ. Қайфини қочирмоқ. Мазасини қочирмоқ. Қўздан қочирмоқ. Ипнинг учини қочирмоқ.* — *Темир ўғрилари қочирмадими?* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатганда, ўшаларни Қўдрат акам қочириб юборди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. *Пазандаликда сени бир чўқшида қочиради-ку.* Х. Назир, Олтин қадах.

2 Четга тортмоқ, узоқлаштирмоқ. *[Отабек] Содиқдан кўкрагини қочириб, ханжарли қўлини бўшатди ва Содиқнинг кўкрагига солди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ҳаёт эса худди йиқилиб кетишдан қўрққандек, бир қўли билан тоқанини ушлаб, юзини йигитдан хиёл қочириб турарди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. *Орасини очик-очик қилиб жойлаштирмоқ. Столларни бир-биридан қочириб қўй.* — *Бобоқул ота .. учта чиллакни танлади-да, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб сўқди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Йўқотмоқ, қўлдаң чиқармоқ, бой бермоқ; ўтказиб юбормоқ. *Оқизмагин кўздан қонли ёшимни, Қочирибман ақлим билан ҳушимни.* «Гурўғли». *Мансур бу гапни бекорга айтмади!* Зуҳра

чиндан мени таниган! Фурсатни қочирмасдан чорасини кўриш керак. 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

4 Кўча Орани бузиб бир-биридан айирмоқ, жудо қилмоқ, узоқлаштирмоқ. Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни менадан қочирдинг? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Кўнглига, дидига ёқмай ёки бошқа сабаб билан ўзидан узоқлаштирмоқ. Ҳозир унинг кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўзидан қочирадиган қари қиз эмас, кўп йигитларни ўзига шайдо қилган .. бир нозанин бўлиб кўринди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 этн. Яширин олиб кетмоқ, ўғирламоқ. Йигирмалаб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳамза. Уйимга қиз қочириб келишга кимнинг ҳадди бор? Ойбек, Қутлуг қон.

◆ Гап қочирмоқ ҳазил-мутойиба, киноя ёки шама қилиб гапирмоқ. Афанди либосларни кўтариб терлаб борар экан, Темур гап қочирди. «Латифалар».

ҚОЧИРМОҚ II қочмоқ II фл. орт. н. Султон сиқирни қочириб келандан кейин, томага қамиш босиши керак. Ҳ. Ғулом, Машъал. Шербек эгар қошидан сумкасини олди-да сунъий қочирши пунктига қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚОЧИРТИРМОҚ I қочирмоқ I 1, 2, 4, 6 фл. орт. н. Кўрқманг, уста, мен сиздан аристонларни қандай қочиртирганнингизни суриштирмоқчи эмасман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОЧИРТИРМОҚ II қочирмоқ II фл. орт. н.

ҚОЧИШМОҚ қочмоқ I 1, 3—5 фл. бирг. н. Ҳамма болалар бирдан халолаб қочишди. Ойбек, Қутлуг қон. Ҳа, Ботир ака, ҳозир одамлар моҳовдан ҳазар қиландек, менадан қочишади. С. Аҳмад, Хукм.

ҚОЧИҚ I Қочиб, яшириниб юрган киши, қочқин, қочоқ. Ҳайдар ота уста Мўминнинг дўконига чиқса, бир бегона киши дам босиб ўтирибди, суриштирса, «ултармалик қочик» дейишади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Қочиб кетиш; қочқинликда юриш, яшаш.— Мусулмонқулни биларсиз, албатта? — Нега билмай, икки ой илгари қочганин ҳам кўрдим. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Қочган, енгилган киши ёки нарса. Қочик туҳум. — Бедананинг ҳаммаси қочик чиқди. Ойбек, Болалик.

4 Бир-биридан қочган, узоқлашган; ораси очиқ. Пола(нинг) тахталари анча қочик. — [ЗАГС мудираси] қаттиқ бош чайқади, энлик, қочик қошларини чимирди. С. Анорбоев, Мехр. Кўздан қочик эл кўзидан нари, яширин, пинҳон. Эндиги муомалани бегона кўздан қочикроқ қилинмаса бўлмайди. П. Турсун, Уқитувчи.

ҚОЧМОҚ I I Таъқиб, хавф-хатар ва ш. к.дан қутулиш, сақланиш ёки

яшириниш учун югуриб улардан узоқлашмоқ, югуриб чопиб ўзини бирор томонга урмоқ, олмақ. Бўрилар ўрмонга қараб қочди. От бўйшалиб қочиб кетибди. Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас. Мақол. — [Йўлчи] ичкарига қочаётган полицмейстернинг бошини мажақлаш учун шахдам юзурди. Ойбек, Қутлуг қон. Кўчада югур-югур, шовқин, итлар вангилаган, товуқлар қийқиллаб қочган. А. Қаҳҳор, Башорат.] Хавф-хатарли жойдан нари бош олиб кетмоқ, уни тарк этмоқ. Бир зарбадан мухторият ҳукумати тирқираб кетди: бири мухторият байрогини қўйнига тиқиб чет элга қочди, бири «Амиралмуслимин» — босмачи Эргашнинг отига мингашиб Бачқирга қочди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Тез орқага қайтмоқ, чекинмоқ. Ёв қочса, ботир кўнади. Мақол. — Фашистлар дастлаб саросимга тушди-да, сўнг бирдан тумтарақай қочди. Ойбек, Қуёш қораймас.] Билдирмай, яширинча халос бўлиб чиқмоқ. Турмадан қочмоқ. — Акам шўрлик ўша келишида Сибирдан қочиб қолган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.] Билдирмай ўзича кетиб қолмоқ. Али Отабек билан хайрлашмасданок, қочган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.] Чап бермоқ, яширинмоқ, ўзини четга олиб, четлаб, кўзига кўринмай юрмоқ. Асрорқул ўшандан бери, қишлоқма-қишлоқ қочиб юрар экан. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Терентий уни .. чор жандармаси таъқибидан қочиб юрган Иван Ивановичнинг уйига олиб борди. С. Аҳмад, Хукм. Қоч кўзимдан кўзимга кўринма, йўқол кўзимдан. Қоч кўзимдан, сен билан кейин гаплашман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор томонга йўл олмақ, йўналмоқ, силжимоқ, нари кетмоқ; бирор жойдан узоқлашмоқ. Марказдан қочиш кучи (физ.). Марказдан қочувчи нервлар. Қочиб кетибдими ёки қочиб кетган эмас с. т. узоқ эмас, яқин. Қўшариқ қочиб кетибдими, қош қорайғунча етиб оламан, деб йўлга чиқаверди, Адолат. С. Зуннунова, Гулхан. [Маъсумай:] Қочиб кетган эмас. Ғаллаорол райони ўзимизга кўшини, мана шу қирнинг орқасида. Н. Сафаров, Дон.

3 Қўрқиб, чўчиб, жон койитмаслик, озор чекмаслик ва ш. к. мулоҳазалар билан ўзини четга тортмоқ, четланмоқ, сақланмоқ. У шидан қочмайди. Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан қочар. Мақол. — [Отабек] бундай бўлмағур таклифни эшитмаслик] учун ўзини четга олиб, отаси, айниқса онасига йўлиқшидан қочиб юришга мажбур бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Сидиқжон:] Яхши хотиндан одам қочадими? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ўзини тиймоқ, сақланмоқ. Емон ўртоқдан қочмоқ. — Юракни чарчатадиган ва заифлаштирадиган ҳолларнинг ҳаммасидан ҳам қочиш керак. «Анатомия». | Қутулмоқ, халос бўлмоқ. Қиши икки марта ўлмайди, аммо бир

ўлимдан ҳам қочиб бўлмайди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.] Муносабатни узмақ, ажралмоқ. У фалокатдан билиб қочган экансан-да: болага, ўз боласига меҳри шу бўлса, ундан нима умид қилади киши? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Енгилмоқ, мағлубиятга учрамоқ; тенг келолмай баҳс, олишув, уйин ва ш. к.дан четга чиқмоқ. Нега қочган беданадай, писиб чирқиллайсан? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

5 этн. Бегона эркакдан юзини беркитмоқ, яширинмоқ (хотин-қизлар ҳақида). Тўғриси, Сорохан кишидан қочади. А. Қаҳҳор, Сароб. [Эъвозхон] Утап билан қиёматли ака-сингил тутишиб, ундан қочмай қўйди. Ҳ. Ғулом, Машъал. Назирқул туз берган эиона астойдил хизмат қилди. Эшон ая ундан қочмайдиган бўлиб қолди. С. Аҳмад, Хукм.

6 Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, кетмоқ. Ернинг нами қочибди. Суви қочган нон. Унинг ранги қочди. — Ҳасрат, алам, кудурат Бутунлай қочган. Ғайратий. Борди-ю, Латофатхон дегани суви қочиб, шохиди майиз бўлган кампирсимон бир хотин бўлса-чи? А. Қаҳҳор, Қўк конверт. Элмурод шундай йўлар селида фарқ бўлиб, уйқуси қочди. Шухрат, Шинелли йиллар.] Қамаймоқ; озаймоқ. Омбордаги картошка бир тонна қочибди.

7 Қуриб, қуруқшаб бир-биридан узоқлашмоқ. Полнинг тахталари анча қочибди. Гўшти қочган ориқ, ориқлаган. Ҳожия хола гўшти қочган қафти билан .. Светлананинг пешанасини силади. В. Ғофуров, Вафодор. Қайфи қочди айн. кайфи учди қ. кайф. Мазаси қочди қ. маза 2.

8 Учи ичкари тортилиб йўқолмоқ (липпадан, парда, қоп оғзи ва ш. к.нинг тешигидан ўтказилган ип, боғ ва ш. к. ҳақида). Боғи (ипи) қочиб кетган халта оғзини бўйиб ушламоқ.

◆ Аравани қуруқ олиб қочмоқ қ. арава. Кўздан қочмайди эътибордан четда қолмайди, албатта ҳисобга олинди. [Зокир ота:] Мен сизга айтсам, катта кўрмаганини кичик кўради, кичик кўрмаганини катта кўради, иккаласи бирлашиб қараса ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Олиб қочмоқ ортиқ муболага қилмоқ, оғзини кўпиртириб, ошириб гапирмоқ, сафсата сотмоқ. Орада гап қочди айн. орада гап ўтди қ. эра 5. Оғзининг таноби қочди қ. оғиз. Ҳаёли олиб қочди ҳаёл ҳар томонга олиб кетди. Қиммат холани хаёли олиб қочди: — Ўзим ўйлаганим келиб чиқди .. Саодат шундай данғиллама уйда бир ўзи турармиши? Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Ўзини олиб қочмоқ айн. ўзини четга олмақ қ. чет 1. Қулиб туриб, қизларга ярашиб тушган бир уятчанлик билан ўзини олиб қочмоқчи бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қочмайди ёки қочмас зуд, зарур бўлмаган иш ҳақида: қачон бўлса ҳам, кейинроқ, бафуржа қилса ҳам бўла-

варади, Пахтаи териб олайлик, дам олиш бўлса қочмас. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Жавоб келгандан кейин учрашиш қочмайди. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

**ҚОЧМОҚ** II Бўғоз, хомилалар бўлмоқ (урғочи хайвонлар ҳақида).

**ҚОЧОҚ** I айн. қочқин I, 2. Қочоққа садоқат йўқ, қўрқоққа — ҳурмат. Мақол.

2 айн. қочқоқ 2, 3.— Ҳа, қочоқ! — деди [Элмурод] унинг қўлини қисиб ва эшикка қараб қўйиб деди: — Қайлигинг қани? П. Турсун, Ҳаётуви.

**ҚОЧҚИН** I Жазодан ёки жазо ўрниндан, тутқинликдан қочган киши. Оталиклар миришб билан бирга қочқинларни қўлга тушириш учун қўл томонга от суриб кетдилар. Айний, Қуллар.

2 Бирор фалокат, мас. уруш, ёнғин, тошқин туфайли яшаб турган жойини ташлаб кетган киши. Қаёқдандир душман самолётлари пайдо бўлиб, қишлоқ устида ва чодир тикиб ётган қочқинлар тепасида айлана бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Мухожир, эмигрант. 1911 йилгача Сун-Ят-сен сиёсий қочқин ҳолда эди. «Қ. Ўзбекистон», 1923, № 8.

3 Ўз бурчини, зиммасига юклатилган вазифани бажаришдан бош тортиб, қўрқиб қочган киши; дезертир. Унинг яккаю ягона ўғли қочқин — хоин бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбида зўр изтироб солади. У. Норматов, Мусибат ва матонат.

4 Қочиб, қоч-қоч.

**ҚОЧҚИНДИ** кам қўлл. Қочқин, қочоқ.

**ҚОЧҚИНЛИК** I қочқин с. белги оти. 2 Қочиб юрган ердаги, шароитдаги ҳаёт.

**ҚОЧҚИНЧИ** с. т. Қочқин, қочоқ. Қанчаси ярадор-майиб бўлади, Қочқинчиси шоҳ қошига боради. «Ширин билан Шакар».

**ҚОҚҚИР** Тутқич бермай қочадиган, чопагон, чопқир. Қоққир от. Қоққир қуён.

**ҚОЧ-ҚОЧ** Ҳар томонга тўс-тўс бўлиб қочиш. [Одамларнинг] .. юзида неча кунлик азоб ва уқубат, «қоч-қоч», гамнинг доғи кўриниб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚОЧҚОҚ** I Тез қочадиган, уруша олмайдиган; қўрқоқ.

2 Билдирмай қочиб кетган ёки кетадиган. [Ҳасанали:] Қани, ойи, кўрманани беринг-чи, мен сизнинг қоқоқ келиндингизни тутиб келдим! А. Қодир, Ҳаётуви. || [Санобар:] Қаёққа қочиб бўлдиларинг? Қоқоқлар! Қани ўтиринглар. Н. Ёқубов, Бўсағада.

3 Қўйма Ваъдани бузиб, ундан бош тортиб қочган киши.

**ҚОЧҚОҚЛИК** қочқоқ с. белги оти. Қоқоқлик қилиб юрмоқ.

**ҚОШ** I Қовоқ тепасидаги туклардан ташқил топган ёйсимон тукли чизик. Қуюқ қош. Пайваста қош. Қош қўймоқ. Қош(ни) бўямоқ. Қош(ни) тер-

моқ. Қош(ни) учирмоқ. Қош(ни) чимирмоқ. Қош(ни) қоқмоқ. — Самандаров бир қоши наст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган маҳораксини чироқдан тутатиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қумушнинг қошилар чимирилди. А. Қодир, Ҳаётуви. Қоши камон ёки камон қош қ. камон. Қоши қалам ёки қалам қош қ. қалам. Қоши кундуз ёки кундуз қош қ. кундуз. Қоши қора ёки қора қош I) қоши қоп-қора; 2) шундай қоши гўзал қиз ёки йигит. Шундай қора қошининг қўлидан чилим чекиш саёб бўлса керак, тақсир. Айний, Қуллар. Қош кўяман деб кўз чиқармоқ яхши, фойдали иш қилиш учун уриниб, ёмон, хато иш қилиб қўймоқ, тузатаман деб бузмоқ. У Назокатнинг олдига кириш учун шунча хезланарди-ю, бироқ қизишиб турган бир пайтда яна қош кўяман деб кўз чиқариб қўйишдан ҳайиқарди. Ж. Абдуллаҳонов, Йўл.

2 Баъзи нарсаларнинг олд қисми, туртиб чиққан жойи. Айвоннинг қоши. — Хизматкорлар қўлтиғидан кўтариб отга мингайтирмоқчи бўлганларида оёғим узангидан тойиб, бурним эгарининг қошига тегиб кетди. Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

3 Ўзук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гул — безак. Қаниларнинг қўлларида қошлари бриллиант олтин билангузуклар, .. бўйинларида зебиардонлар. Ж. Шарипов, Хоразм. Тилла қош қ. тилла-қош.

4 3-ш. эгалик ва ж., ч. к., ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. қошига, қошида, қошидан).

◆ Қош қорайди кеч кирди, оқшом қоронғиси туша бошлади. Қош қорайиб, одам одами танимайдиған бўлиб қолди. Ойдин, Чақалоқча чакмонча. Ҳирот аҳолиси қош қорайиши билан кўча эшикларини ичидан занжирлаб олар эдилар. М. Осим, Зулмат ичра нур.

**ҚОШИГА** кўм. вазифасида Олдига, ёнига, ҳузурига. Бир маслаҳат билан қошиниғизга келдим. — Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшимга, Шакар оға, келгин менинг қошимга. «Ширин билан Шакар».

**ҚОШИДА** кўм. вазифасида Олдида, ёнида, ҳузурда. Қолхоз қошида ташкил этилган клуб. — Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда, Бахту давлат келди етмиш ёшимда. Ҳабибий. У [Элмурод] бир келганида Давлатёрни .. МТС қошида очилган тракторчилар курсига олиб кетди. П. Турсун, Ҳаётуви.

**ҚОШИДАГИ** Олдидаги, ёнидаги, ҳузурдаги. Урозали қушбегининг қошидаги амалдорларидан бошқа олти юз оломон одами бор эди. «Ёдгор». Институтни битирганидан кейин мени шу институт қошидаги касалхонанинг хирургия клиникасида ишаа қолдирдилар. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

**ҚОШИДАН** кўм. вазифасида Олди-

дан, ёнидан, ҳузурдан. Иссиғим ортиқлигидан сув устига сув ичардим. Бир ўлимдан қолдим. Отам қошимдан кетмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚОШИҚ** Овқатни ейиш ёки ичиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми. Ёғоч қошиқ. Қумуш қошиқ. Чой қошиқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. Мақол. — Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афти буришди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. Ёмондан ёрти қошиқ охиригача еб-ичиб қўймай озгина қолдирган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

◆ Бир қошиқ сув билан ютса бўладиган нозик ва жуда чиройли, гўзал. Э, бўлди. «Бир қошиқ сув билан ютса бўладиган» гўзал-а, ўшами? П. Турсун, Ҳаётуви.

**ҚОШИҚДОН** Қошиқ солиб қўйилган идиш. Чол [йигитнинг] .. қўлига қошиқдон саватни бериб, меза-чевага юборди. А. Қаҳҳор, Картина.

**ҚОШИҚЛАМОҚ** Қошиқ билан олмақ. Ошни қошиқлаб емоқ. | Қошиқда ўлчамоқ. Шакарни қошиқлаб солмоқ.

**ҚОШИҚЧИ** I Қошиқ ясайдиган уста.

2 Қошиқ сотувчи одам, қошиқфуруш.

**ҚОШИҚЧИЛИК** I қошиқчи с. касб оти. Қошиқчилик цехи.

2 Қошиқчилар растаси ёки маҳалласи.

**ҚОШ-ҚОВОҚ** I Қош ва қовоқ; қош ва қовоқлар. Қош-қовоғи солиқ одам.

2 Қўйма айн. қовоқ-димог. Қош-қовоғига қарамоқ айн. қовоқ-димогига қарамоқ қ. қовоқ-димог.

**ҚОЯ** I Тик тоғ .. Улар .. гоҳ тик қояга ўрмалар, гоҳ илон изи бўлиб кетган сўқмоқдан настиқликка — дарага тизилишиб тушиб боришарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Жилганинг бошида катта бир қоя бор. Қоянинг паст-баланд тошлари ўранмаган кўзга узоқдан одам ва ҳайвон шаклида кўринадди. П. Турсун, Ҳаётуви.

2 Баланд тик тош. Госпитал биноси денгиз тўлқинида омон қолган қоядай атрофдаги харобаларга ачиниб қараётганга ўхшарди .. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ҚОЯТОШ** айн. қоя 2. Акбар баланд қоятош устида турарди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ҚОҚ** I 1 Жуда ҳам қуруқ, қуриган, сира ҳам нами қолмаган. Қоқ нон. Қоқ қуруқ ўтин. — Амма .. қоқ ёйиш олиб тушиб, узоққа ўт ёқди. С. Анорбоев, Мехр. Қоқ чўкиртақларнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши қизиқ туюлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Жуда ориқ, чандир. Эгелди унинг қора таёғни маҳкам чангаллаган қоқ қўлларига тикилиб, орқага тисарилмоқчи эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Унинг ёнида ўрта бўйли, қоқ гавдали — ориқ, туси қорамтиш .. иккинчи одам бор эди. Айний, Эсдаликлар. Қоқ суяк I) гўшти йўқ, фақат



суякнинг ўзи; 2) жуда ориқ, эти суягига ёпишган. Қоқ суяк қўллар.

3 кўйма Ҳеч нараса йўқ; яп-яланғоч; шип-шийда. [Йўлчи:] Мен чиққанымда уй қоқ эди: на бир сиқим ун, на бир қошиқ мой. Ойбек, Қутлуг қон. Қоқ қирдан ер ошиб, ҳар бир гектар ердан ўн беш-ийгирма центнердан пахта бераман. Туйғун, Бу боғлар меники. | Камбағал, қашшоқ. Муллоий қоқ. Қоқ ер 1) оби-тобидан ўтиб кетган, нами қочган ер; 2) гиёҳсиз, яланғоч ер; 3) ҳеч нарса тўшалмаган ер; қаттиқ жой. Қоқ ерда ўтирманг, кўрпачага ўтинге. Қоқ ер, қора шип шип-шийдам; фақирона. Қоқ бўлмоқ 1) жуда ҳам қуримоқ, сув талаб бўлмоқ, қуруқшамоқ. Халқумлари бўлиб қоқ .. Зўрға олар эди тин. Х. Олимжон; 2) ҳеч нарасиз қолмоқ; бор-йўғидан ажралмоқ. У бор-йўғини қарзга бериб, ўзи қоқ бўлиб қолди. Чўнтаги қоқ бўлди пули қолмади. Чўнтаги қоқ бўлган Абдулла ака ўзича «эҳ, диёнатсиз, ақалли тийинни ҳам қолдирмади-я», деб уни эшиккача кузатиб қўйди. С. Искандаров, Товламачи.

4 кўйма с. т. айн. қоқвош 2. ҚОҚ II рви Худди, нақ, аниқ, айни. Қоқ иккига бўлмоқ. Шахарнинг қоқ ўртасида. Қоқ ярим кечада. — [Қудрат] отасини босмачилар қоқ пешанасидан отиб ташлаганини ўз кўзи билан кўрган эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Қиз уйғонди қоқ сахар пайти. Ё. Мирза. Қоқ ёрилмоқ торс ёрилмоқ. Букур жумалик қилиб чиққан эдим. Сизни кўриб севингандан юрагим қоқ ёрила ёзди. Ойбек, Қутлуг қон.

ҚОҚВОШ [асли қоқ бош] с. т. 1 Миясида, калласида ҳеч нарса йўқ; мясиз, ақсиз. [Жамила:] Оббо, қоқвош-эй, сен белингни боғлагунигча, Шокирвой пахтасини ундириб, териб ҳам олади. Ж. Абдулаҳонов, Тўйга келинлар. Бу қоқвош «шу ишингиз нотўғри» дейиш билан-ку, Ҳожининг қорнига қошиқ қоққандек бўлган эди, яна «хўмрайман» дегани нимаси. А. Қаҳҳор, Йиллар.

2 Ўтакетган хасис, зиқна, қоқ. ҚОҚ I Қуриган, қуритилган мева, гўшт ва ш. к. Олма қоқи. Шафтоли қоқи. Қоқи солмоқ. Қоқи қилмоқ. — [Табиб] .. нон қоқиси еб, қуюқ фамилой чой ичиш лозимлигини айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улар туеунларини ечишди, қовун қоқи ва гўшт қоқиларни ўртаса қўйишди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

◆ Қоқи баҳоси жуда арзон; сув текин; икки пулди. Қоқи баҳосида сотиб олмоқ. — Бошига манманлик кибр-ҳавосидан бошиқа нарса сиймайдиган .. раисни ҳозир колхозчилар қоқи баҳосига ҳам олмай қўйишган. «Муштум», 1963, № 20.

ҚОҚ II, қоқи ўт Сарик тўп гулли, қуригач уруғли тўзғоғи шамолда учиб кетадиган ўт; момақаймоқ.

ҚОҚИЛИШМОҚ қоқилмоқ 2—5 фл. бирг. н.

ҚОҚИЛМОҚ 1 қоқмоқ 1—8, 10 фл. мажх. н. Деворга қоқилган мих. Томига тунука қоқилган уй. — Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, киравершидаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳасан ота айтгандек, ўртага қошиқ қоқилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсилар. Ойбек, Қутлуг қон.

2 қоқмоқ 9 фл. ўзл. н. Йўлдан анча қоқилибсиз.

3 Бирор нарсага оёғини уриб олиб мункимоқ, йиқилаёзмоқ. Қоқилсанг, тошдан ўпкалама! Мақол. — Зағчақўз қоронғида ҳассасини босишга жой топполмай, туртини бир дўнг ерга қоқилиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Менинг чурук қавушини ўлеур баъзан чўпларга илиниб, қоқилиб кетаман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

4 кўйма Янглишмоқ, хато қилмоқ, қоқинмоқ. Ахир нодон одам кўрдек гап-да, қайга борса қоқилади. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Ўқиган бой йўл-йўриқни тушунади, шунда оз қоқилади. Ойбек, Қутлуг қон.

5 кўйма Бирор нарсдан, жихатдан қийинчилик, муҳтожлик сезмоқ. Пулдан қоқилмоқ.

ҚОҚИЛТИРМОҚ қоқилмоқ 3—5 фл. орт. н. Тўғри йўлдан қоқилтирмоқ. Пулдан қоқилтирмоқ. — Ух, тақдир қурғур ҳар дамда бизни қоқилтиради. Ойбек, Қутлуг қон.

ҚОҚИМ этн. Афсун ўқиб ва беморнинг аъзойи баданини, қўл, оёқ, бел, бўйин, қулоқларини уқалаш йўли билан «даволаш» усули.

ҚОҚИМЧИ Қоқим қилиб «даволовчи» табиб. Бир мен ўзим қоқимчи, Ҳам эмчман, аласчи, Бер, бер, бер, бер, бер! Ҳамза. Бор экан, йўқ экан, қарға қоқимчи, чумчуқ чақимчи экан. «Эртақлар».

ҚОҚИНДИҚ 1 этн. Қоқим қилиб «даволашда» беморнинг баданига уриб, бошидан айлантриб садақа қилинадиган ёки қоқимчи олиб кетадиган нарса, садақа.

2 х.-қ. Жоним тасаддуқ. Ахир, биз ҳам отанг билан кўзимиз ёруғлигида сенинг орзу-ҳавасингни кўрсақ дейимиз-да, онанг қоқиндиқ. Х. Зиёнонова, Қўнғил. — Вой, онагинанг айлангур, бўйгинанга қоқиндиқ бўлай, — деб Шарофатбиби узоқ вақт бағрдиган Комилани қўйилади. Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚОҚИНИШМОҚ қоқинмоқ фл. бирг. н.

ҚОҚИНМОҚ 1 қоқмоқ 7 фл. ўзл. н. Тўрқовоқ ичида эски туллак ҳам Қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас. Ғ. Ғулом. Қўп канизлар лаълимаржон тақиниб, Оладилар олғир қушдай қоқиниб. «Равшан».

2 Бирор нарсага оёғини уриб олиб мункимоқ, қоқилмоқ. Тошга қоқинмоқ. Отнинг тўрт оёғи бўлса-да, қоқинади. Мақол. — Қўлтўтаёқларининг ёрдами билан супадан тушиб, энди икки

қадам босганида, нимагадир қоқиниб йиқилди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Ўзини бирор нарсага уриб олмоқ, билмасдан тегиб кетмоқ. Петька дарҳол фаҳмлади: демак шу бута остидан телефон сими ўтган, қарерадир бирор ё симга қочинди, ё уни бир нима қилаётир. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 кўйма Андак хато қилмоқ, янглишмоқ, қоқилмоқ. Билимсиз киши қоронғида адашиб юрган одамга йхшайди. Бундай одам тез қоқинади. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. Алиқул узоқ умрида бир эмас, бир неча қоқиниб, бир неча йиқилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 кўйма Бирор нарсдан, жихатдан андак қийинчилик, муҳтожлик сезмоқ, қоқилмоқ. Пулдан қоқинмоқ.

ҚОҚИНТИРМОҚ қоқинмоқ фл. орт. н. Бирор нарсдан қоқинтирмоқ. Қоқинтирмай етаклаб бормоқ.

ҚОҚИРИМ Қатиқ ва қалампир солинган қуруқ шўрва (одагда тумовни даволаш учун истеъмол қилинади). Унча-мунча бетобликни қоққирим ёки гиёҳларнинг гули ва томири билан енгиб келган. И. Раҳим, Ихлос.

ҚОҚИШМОҚ қоқмоқ 1—8, 10 фл. бирг. н. — Улар туриб етакларини қоқишди. Шухрат, Шинелли йиллар.

Йигитлар катта кўрғоннинг текис майдончасида терларини артиб, чанларини қоқиниб, ўзларини тартибга солиб олдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мария .. дугоналар билан худди ўзбек аёлларидек елка қоқиниб, иссиқ кўришди. Х. Ғулом, Машвал.

ҚОҚИШТИРМОҚ 1 Кавлаштириб, қидириб бор-йўғини, барини тўпламоқ, қириштирмоқ. Ҳамённи қоқинтирмоқ.

— Хайдар .. мулошига етмай, стипендиясидан қолган бор-йўқ пулини қоқинтириб шофёрга берди-да, ўзи ётоққа қараб пўёда кетди. С. Ахмад, Ойдин кечалар. Абдулла ака ён-верини қоқинтириб кўрган эди, чўнтагидаги пул 5 сўм 65 тийин чиқди. С. Искандаров, Товламачи.

2 Бириктириб маҳкамламоқ, ясамоқ. Полни қоқинтирмоқ. Қоқинтириб яшиқ ясамоқ.

ҚОҚЛАМОҚ 1 Қоқ қуритмоқ, қуритиб қоқ, сур қилмоқ. Гўшт қоқламоқ. — Бизни шўлонга қамаб балиқдай қоқлагани учун худонинг ўзи қаҳрига олибди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Сира ҳам қолдирмай, таг-туғи билан йўқ қилмоқ, бор-йўғини қуритмоқ. Намозхонлар чўнтакларини қоқлаб, афандига узатишдилар. «Латифалар». Кеч деманг, ая, дастурхонингиз қоқлаб кетамиз. Х. Ғулом, Сенга интиланам. Аям ўлгандан кейин аҳволимиз оғирлади. Унинг матракаларини ўтказиш учун уйимизни қоқладик, қарзга ботдик. Ойбек, Қутлуг қон.

ҚОҚЛАНМОҚ 1 қоқламоқ фл. мажх. н. Қоқланган гўшт.

2 қоқламоқ 1 фл. ўзл. н. Қоронғида аёлнинг юзига кўзим тушиди. Саҳрода

қоқланиб қорайган бу ориқ юзда чуқур қора кўзлар чўғдай йилтиллаб, мени жойимда тўхтатиб қўйди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚОҚЛАТМОҚ** қоқламоқ *фл. орт. н. Ўйит қоқлатмоқ. Балиқ қоқлатмоқ.*

**ҚОҚЛАШМОҚ** қоқламоқ *фл. бирг. н.*

**ҚОҚМОҚ** 1 Зарб билан уриб киргизмоқ. *Егочга мих қоқмоқ. Деворга қозик қоқмоқ.* — Унгуур чуқурлашган сари қозиклар шу зайдла қоқиб борилса, йўлдан адашмаймиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Унсин] ичкари уйда ўтириб махсиларга шон қоқади, шондан туширади, пардозлайди, қора гул, лок суркайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Михлаб ёпиштирмоқ, маҳкамламоқ. *Пол қоқмоқ. Отага така қоқмоқ. Томга туңука қоқмоқ.* — Нима учун деворларга гилла қоқмадинглар? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир кунни правлениенинг эшигига шундай бир эълоннома қоқиб қўйилди. А. Қаххор, Мирзо.

3 Уриб овоз чиқармоқ, тикиллатмоқ, дукиллатмоқ. *Ҳама ухлаганда, у муллаваачанинг хужрасини қаттиқроқ қоқсангиз, ҳаммасини кўрасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. Самандаров .. қаламининг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди. А. Қаххор, Қўшчинор. [Шарофат] уйнинг нариги деворини қоқиб, қўшинини чақирши учун ўрнидан аранг турди. Ҳ. Зиёнонова, Арзанда. **НОГОРА ҚОҚМОҚ** қ. *ногора. Эшик қоқмоқ* 1) эшик тақиллатмоқ. *Машинадан тушиб, ўймакорли жиёарранг бир эшикни қоқдим.* У. Назаров, Одамлар; 2) кўчма яқинлашиб қолмоқ. *«Илғорлар учун буйруқ кўзда берилган эди, баҳор эшик қоқяпти, қанисиз опа?»* дейди. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

4 Елкага ёки орқага кафт билан секингина урмоқ, шаппатиламоқ. *Керишайтган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб: — Кетдикми, Дехқонбой! — деди ўзбек тилида бир жангчи.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Бобом мени қаттиқ кучиб, қўли билан орқамни бир-икки қоқади, тагин ишга тутинади.* Ойбек, Болалик.

5 Уриб, чертиб, савалаб ёки силкииб ичидаги, устидаги нарсани туширмоқ, шу йўл билан тозаламоқ. *Гиламининг чангини қоқмоқ. Илик қоқмоқ. Дастурхонни қоқмоқ. Қийимларни қоқмоқ. Телақининг қорини қоқмоқ.* — У этакка илашиб қолган пахталарни қоқайтганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб, тушиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Имом тўполонда бошидан тушиб, тупроққа қорилган салласини қоқиб-қоқиб қайтадан ўраркан, ўз қавмига вазъ-насиҳат қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Зиёдахон .. элакдаги кепакни оғзи тор халтачага эҳтиёт билан солди, элакни қоқди.* А. Қаххор, Қўшчинор. | Уриб синдирмоқ, суғуриб олмоқ.

6 Уриб ёки силкииб меваларни туширмоқ. *Жийда қоқмоқ. Олма қоқмоқ. Шафтоли қоқмоқ.* — Саломатнинг онаси элликбошининг боғидаги азим туп ёнғоғини қоқайтганда, йиқилиб ётиб қолди. С. Аҳмад, Хукм. *Мен сизга айтсам, баҳорда гул териб, кўзда ўрик қоқиб бериб кўнглини олиб юрдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бирор аъзони силкиитмоқ, қимирлатмоқ. *Қанот қоқмоқ.* — Шакар буви белини ушлаб, кифтини қоққанча биллади. Ҳ. Назир, Томоша. *Раис дарров ўрнидан турди, бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўғалади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

8 «қолмоқ», «кетмоқ», «қолмоқ» каби кўм. *ф. билан*) Тортиб, юлиб олмоқ, шилмоқ. *Қимматчилик бошланди. Халқнинг өзгина бори-будини ҳам босмашлар қоқиб кетди.* О. Хусанов, Чўлда. *Ҳожиб бобо берган иш ҳақингни қўлгидан қоқиб олади.* Ф. Гулом, Шум бола.

9 *кўчма* Ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ; зарар, шикаст етказмоқ. — *Юр бизникига, — таклиф этди раис, — андак дам ол, бирга овақтланайлик, машина кишини қоқиб қўяди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дунёда нимаики ёмонлик бўлса, инсон боласидан келади. Зор қилган ҳам, хор қилган ҳам, қоққан ҳам чаққан ҳам ўша.* А. Мухтор, Тугилиш. | Уриб кетмоқ (совуқ ёки офтоб ҳақида). *Қиш қаттиқ келса, баъзан мевали дарахтларни қоқиб кетади. Уч-тўрт кун ишлаган эди, офтоб қоқди шекилли, ётиб олди.* | Уриб йиқитмоқ. *Уни машина қоқиб кетибди.*

10 *эпн.* Қоқим қилмоқ, қоқим қилиб «даволамоқ». *Ҳакка келиб чўқисин, Мулла келиб ўқисин, Қоқимчи келиб қоқсин, Кўзинг сув бўлиб оқсин.* «Фольклор».

◆ **Жонини қоқмоқ** жонини, ўзини фидо қилмоқ. *Табассумла икки ёш ерга боқиб, Она хизмат қиларди жонин қоқиб.* М. Алавия. **Жонини қоқай** айланай, ўрғилай, тасаддуғинг бўлай. *Утиринг, айланай, ўтира қолинг, жонимни қоқай.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Киприк қоқмоқ** киприкларни пирпиратиб кўзини очиб-юймоқ. *У одам .. тез-тез киприк қоқиб: — Мен одам овлаб нима қилибман? — деди.* А. Қаххор, Бек. *Адолат ҳаяжондан энтикиб, нима дейишини билмас, Роҳиланинг кўзларига тикилганча киприк қоқмай, қараб турарди.* С. Зуннунова, Гулхан. **Кўзини четга қоқиб** қўзани шамғалат қилиб, бошқа ёққа қараб турган пайтида. *Омон ўзини тўдага урди. Мен ҳам бойнинг кўзини четга қоқиб, Омоннинг кетидан юриб қолдим.* Ф. Гулом, Шум бола. **Мижжа (ёки киприк) қоқмади** сира кўз юлмади, ухламади. *Утап тун бўйи мижжа қоқмай, қишлоқни айланди.* Ҳ. Гулом, Машғал. **Мияни (ёки кулогини) қоқиб** қўлга бермоқ шовқин-

лаб; жавраб ва ш. к. билан зериктирмоқ, жонга темгоқ. *Хотиним у деди-бу деди, қулогимни қоқиб қўлимга берди.* А. Эшонов, Қўланка. **Пўстагини қоқмоқ** қ. *пўстак. Телефон (ёки сим) қоқмоқ* с. т. телефон орқали сўзлашмоқ, телефон қилмоқ. *Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошладилар.* И. Раҳим, Ихлос. **Томоқ қоқмоқ айн.** *томоқ кирмоқ* қ. *томоқ* 2. **Тўрва қоқди** қ. *тўрва. Четга қоқмоқ* 1) четлаштирмоқ, узоқлаштирмоқ. *Зайнаб, ўзини Отабекдан четга қоққани учун, Ўзбек ойимга ёғизинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма махрум қилмоқ. *Кейин Гулнорга худо берди, у эрка — арзанда хотин бўлиб, эрига суялиб, кўнлига нима келса, шуни қилади, бизни ҳар нарсадан четга қоқади, балки бошимизда ёнғоқ чақади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Чўмичда қоқмоқ** қ. *чўмич. Қоққанда — қозик, оғанда хурмача (ёки чўмич) қолмади* қ. *қозик. ҚОҚРИК* *диал.* Балғам.

**ҚОҚТИРМОҚ** қоқмоқ 1—3, 5, 6, 8, 10 *фл. орт. н. Уйга пол қоқтирмоқ. Отага така қоқтирмоқ. Полга тахта қоқтирмоқ.* — *Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқтириш учун шаҳарга тушиб кетади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Энг кетдаги қоққидан унинг ёнидаги иккинчи қозик орқали қараб, учинчисини қазқиладиган унгуур оғизга қоқтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Уч марта товуқни кучоқлаб қоқтиргин, чиллаёсин қилдиргин .. — деб кўярда қўйладилар.* Ойдин, Чақалоққа чакмонча.

**ҚОҚШОЛ** I Орикликдан қоқ қуриб қолган, қоқ қуруқ, қуруқ суяк. *Она яна қоқшол қўллар билан ўғлининг елкасини силади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У тиззаларини қоқшол қўллари билан кучоқлаб, исқирт кўрпача устида бамайлихотир ўтирар .. эди.* М. Осим, Элчилар.

**ҚОҚШОЛ** II *мед.* Тупроқда бўладиган микробдан юқадиган қаттиқ тортишиб, қақшаб қоғиб қолиш касаллиги. *Султоннинг оёғи ишииб кетди, .. Мадали ака, ҳозир дарров укол қилмаса қоқшол бўлиб қолади, деди-да дори сумкасини тита бошлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚОҒОЗ** [ф-т] I Асосан ёзиш, расм солиш, китоб, журнал, газета ва ш. к. бошиш, ҳамда бошқа мақсадларда ишлатиладиган, ёғоч, эски латта ва ш. к. дан тайёрланган юпқа материал. *Газета қоғози. Езув қоғози. Уров қоғози. Шалдирама қоғоз. || Қоғоз халта. Қоғоз пул.* — *Кейин бир нарча қоғоз олиб қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Деразасининг икки кўзида ойна бор, қолганлари қоғоз ёпиштирилган.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Эркак ян-янги, узун қоғоз ақчани келиннинг бошига қўйди-да, ташқарига илдам чиқиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 с. т. Расмий ҳужжат. *Айланай, пулнинг қоғозини сизлар ёзиб берасиз-*

ларми? Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. Мен бирон қоғозга ўқимасдан қўл қўйсам, сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавобгар бўламиз. А. Қаҳҳор, Айб кимда. Машинист номини олиш учун керакли бўлган материаллар топширилди, эртга бориб қоғозин олиши керак. Ойдин, Эр юрак. Мақтов қоғози қ. мақтов. Чақирик (ёки чақирув) қоғози қ. чақирик 3. Қоғозда салб. расмий қоғоз, қарор ва ш. к.га ёзилган қолда (қоғозга, қарорга ёзилиб, амалга оширилмай қолган иш ҳақида). Вақда қоғозда қолиб кетмасин. | Хат, хабар.— Бекор гап,— Эргаш камтирнинг сўзини кедди.— бирор нарса бўлса, қоғоз келади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 с. т. Шундай материалдан тайёрланган пул. Ҳозир унга беш-олти сўм кифоя: гўрковга икки сўлжавой, домла-имомга икки қоғоз, ювгучига бир сўм. Иш тамом. Ойбек, Кутлуг қон.

4 с. т. Варақ, бет. Мақола икки қоғоздан ошмасин. — Сўнги вақтларда мухбирлар, юборган хабарларининг биринчи қоғози устича «ёгонорарли», деб ёза бошладилар. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚОҒОЗБОЗ [ф-т] салб. Амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар олиб бориш, қарорлар чиқариш билан овора бўладиган киши; расмиятчи, бюрократ. Иш бўлмайди ким бўлса қоғозбоз, қоғозбозлик билан ўтқай қишу ёз. Ҳабибий.

ҚОҒОЗБОЗЛИК 1 қоғозбоз с. мавҳ. от

2 Амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар билан шуғулланиш; расмиятчилик, бюрократлик. Қоғозбозликка барҳам бермоқ.

ҚОҒОНОҚ Она қорнида, бачадонда болани ўраб турадиган парда.

ҚУББА [а] 1 архит. Ярим шар шаклидаги гумбаз. Бутхонанинг қуббалари. Мезаналарнинг қуббалари. — Тунука томли ўйлар, ёғоч панжаралар, гилос, олма ва шафтоли; қават-қават иморатлар, баланд қад кўтарган минора ва қуббалар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтаверди. П. Турсун, Ўқитувчи. Салқин тушиди. Минораларнинг қуббаларида ўйнарди куёш. Э. Раҳим.

2 Турли нарса ва буюмларнинг шарсимон ёки ярим шарсимон безаги. Қаравот қуббалари чирқоқдай ёнади. Шўхрат, Шинелли йиллар. От белидан тортиди қирқ қубба пуштан, Сағрисига ташлаб энди қуюшқон. Ҳар қуббаси келган катта таркашдан. «Ширин билан Шакар».

3 Пирамида ёки гумбаз шаклида терилган, уйилган нарса тўпи. Болалар учун олмалар қуббаларга бўлиб қўйилган: ҳар қубба тўрт олмдан иборат. — Бир ишича коньяк .. ва чиройли вазага қубба шаклида терилган апельсин келди. Ойбек, Кутлуг қон. [Ҳаққаянинг] .. сақичдай қора қуюқ сочи икки қубба қилиб бошига турмалган. А. Мухтор, Қаноти синган орау.

4 бол. Тўртта ёнғоқни пирамида шаклида тикиб, узокдан соққа билан уриб йиқитиш ўйини. Кубба ўйнамоқ.

◆ Ёнғоқни кубба қилиб эқмоқ ҳар уяга тўрттадан ёнғоқни гуҷ қилиб қўйиб эқмоқ.

ҚУББАЛИ 1 Қуббаси бўлган, қуббалари бор. Абдуллаҳон содирган қуббали тимнинг ичи ари индекс гувиллар эди. М. Осим, Элчилар.

2 Қуббалар билан безатилган. Қуббали эшиклари кенг, .. кўркам — ҳайбатли икки меҳмонхонанинг бирида Мирзакаримбой ўтирар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

ҚУББАЧА 1 кубба с. кичр.

2 айн. кубба 2. Эшли камарида олтин қуббачалар, йирик гавҳарлар, .. оловлар эди. Ойбек, Навоий. [Алишер] олтин қуббачалар, ўймакор гуллар билан безалган эшикни очиб, кичикроқ, лекин серҳашам бир хонага кирди. Ойбек, Навоий.

ҚУББА-ҚУББА Ғуҷ-ғуҷ, тўп-тўп. Унга қаранг, шундоққина биз кутган нав .. Қўсаклари тўпнинг бўғин-бўғинида кубба-қубба бўлиб пайдо бўлар экан. Ш. Ғуломов, Ташаббус. Қор томларнинг бўғотлари, деворларнинг усти, дарахтларнинг бутқоқларида қубба-қубба бўлиб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУБЎР [а] Қабрлар; гўристон. Аҳли кубур кт. қабрларда ётганлар, марҳумлар. Ассалом алайкум, аҳли кубурлар. Бир кеча манзил жой сиздан сўрайман. «Алпомиш».

ҚУВ 1 Ичидан пишган, муғомбир, айёр. Қув одам. — [Мирзакаримбой] тулқидай қув эмасми? Хуши келганда хизматкорлар билан аския ҳам қилиб қўяди. Ойбек, Кутлуг қон. Бегойим ер остида илон қимирласа биладиган қув хотин. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУВ II айн. оққуш. Оқ қув. Қора қув. Қув қув билан унади, ғоз ғоз билан кўчади. Мақол. Пар қув ёстиқ парку ёстиқ.

ҚУВ III рви: ранги қув ўчди (ёки оқарди) ранги оқариб кетди. Раҳимнинг ранги қув ўчиб, ғиқ этмай қолди. Ҳ. Назир, Сўнас чакмоқлар. Нега ғалатисан, Витя? Рангларинг қув ўчган-а. Ё қорнинг очдими? Р. Файзий, Сен етим эмассан.— У нима, хатми? — Валихон қоғозга қўл қўяди. Майнанинг ранги қув оқариб кетди, қўллари титрай бошлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚУВ IV унд. с. Қушларни ҳайдаш учун чиқариладиган овоз, киш-киш. [Иқбол:] Чумчуқлар ўйсин, уйлари кўйсин. Ҳай, гала-гала қув. Н. Сафаров, Ўйғонич.

ҚУВ V диал. Чақмоқ учқунидан ўт олиб ёнадиган махсус пилик, пилта. Меҳтарига сув олиб, Чақмоғига қув олиб, Йўлга тушиди Ҳасан мард. «Равшан».

ҚУВАЛАМОҚ 1 айн. қувламоқ.

2 Бир-бирини қувмоқ, қувлашмоқ. Кўзингиз экранда, кадрлар бир-бирини

қувалаб ўтиб турибди. К. Ерматов, Кино санъати ҳақида. Шу залда йиллар ўтди қувалаб, Толе кўки бахт юлдузи кўрсатмай. Ғ. Ғулом.

ҚУВАЛАШИМОҚ қуваламоқ фл. бирг. н. Отага солсанг, беда сол, Қасир-қусур чайнасиң, Қизинг бўлса ёшга бер, Қувалашиб ўйнасин. «Фольклор».

ҚУВБОШ Айёр, қув. Чамбилдадир асли душманнинг эли, Гўрғули қувбошининг тутинган ўғли. «Зулфизар билан Авазон».

ҚУВВА [а] эск. кт. айн. қувват. Қувваи жозоба физ. тортиш кучи, жозоба кучи. Қувваи нутқ сўзлаш, нотиқлик маҳорати. Чол бутун қувваи нутқини ишга солиб, яна ялинди. Ойбек, Кутлуг қон. Қувваи хотира (ёки муҳофаза) ёдда сақлай олиш қобилияти; хотира қуввати.

ҚУВВАТ [а] 1 Тирик мавжудотнинг, шунингдек ҳаракат қилувчи ҳар қандай жисмнинг бирор жисмоний иш ёки ҳаракат қила олиш қобилияти; куч. Муқкул қуввати. Инсоннинг қуввати. Қувватим йўқ. Қуввати борича ҳаракат қилмоқ. — Қаридим, иш қилишга қолмади қувват. Ғайратий. Поезд борар .. қувватга тўлиб. Ҳ. Пўлат. Қувватга кирмоқ соғаймоқ, куч тўпламоқ. У [Ҳаким-доктор] томиримни ушлаб, андак мулоҳаза қилди-да: «Сизники — қосиб қасал, далага чиқинг, баҳри-диллингиз очилса, қувватга кириб кетасиз»,— деди. Ойбек, Кутлуг қон. Қувватдан кетди (ёки қолди) ҳолсизланди, заифлашди, куч-қуввати кетди. 2 айн. энергия. Электр қуввати. — Шу сувнинг қувватидан уйимиз ёруғлиги. Қ. Муҳаммадий.

3 физ. Бир вақт бирлиги ичида бажарилган ёки бажариладиган иш миқдори. 500 мегаватт қувватга эга бўлган гидростанция. Қувват бир секундда бажарилган ишдир.

4 Қорхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари мажмуи. Қорхоналарнинг қувватларидан унумли фойдаланмоқ. Кўшимча қувватларни ишга туширмоқ.

5 Куч, чидамлилиқ. Чириган ёғочнинг қуввати бўлмайди.

6 кўчма Моддий имконият, бойлик, қурб. Қуввати етади (ёки келади) 1) кучи етади. Ўйла, болам, кимга келар қувватинг? «Рустам»; 2) кўчма имконияти етади, қурби келади.— Битта хотин олиб беришга қувватим етади,— деди Ботиржонга дадаси. Қ. Мақсумов, Саодатли чаманда. [Нури] пул ва бойликнинг қувватига ишонгани учун, бу йўлни қулай деб топди. Ойбек, Кутлуг қон.

7 кўчма Қобилият, лаёқат; билим, малака. Ҳикоягина эмас, роман ёзишга ҳам қуввати етади. — Холмурод кимда қандай ўқини асбоби борлигини текшириб чиққандан кейин, ўқувчиларнинг қувватини синашга киришди. П. Турсун, Ўқитувчи.

8 кўчма Далда, мадад. Арғамчига қил қувват. Мақол. — Майин товуш

зиштилди: — Келинелар .. раҳмат! Одамга одам қувват бўлади, мине раҳмат! А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Индамаса ҳам шу ерда туриши, Ғуломжондан ниманидир қутиши — йигит юрагига қувват берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Белининг (ёки дилининг, юрагининг) қуввати ишонган тоғи, суянчиғи. Фарзанд — белнинг қуввати.

■ Дилимнинг қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун. Ҳамза.

**ҚУВВАТЛАМОҚ** I Маъқулловчи, ёнини, тарафини олувчи ёки тасдиқловчи фикр билдирмоқ, ёкламоқ, қўлламоқ, ҳимоя қилмоқ. Бировнинг сўзини, фикрини қувватламоқ. Ташаббусни қувватламоқ. Қарорни қувватламоқ. ■ — Ана у қизга ҳақ гапни айтдим, — деб Эргашойни қувватлади Шарофат хола. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Гулстон кексалари, етё кечаси билан маслаҳатлашиб чиққандек, бир-бирини қувватлаб гапира бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ, куч-қувват, мадад бермоқ. Деҳқон хўжалигини қувватламоқ.

**ҚУВВАТЛАНМОҚ** қувватламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Фикри қувватланди. Хўжалиғи қувватланди.

**ҚУВВАТЛАНТИРМОҚ** қувватланмоқ фл. орт. н.

**ҚУВВАТЛАШМОҚ** қувватламоқ фл. бирг. н. Унинг сўзини ўтирганлар қувватлашди.

**ҚУВВАТЛИ** I Кучли, бақувват. Қувватли йигит.

2 физ., тех. Қандайдир қувватга эга бўлган. Қувватли двигатель. Беш кат қувватли мотор.

**ҚУВВАТСИЗ** I Кучсиз, куч-қуввати, дармон йўқ; бедармон.

2 физ., тех. Камқувват. Қувватсиз двигатель.

**ҚУВВАТСИЗЛАНМОҚ** Кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, куч-қувватдан қолмоқ. Касалдан анча қувватсизланиб қолибди.

**ҚУВВАТСИЗЛИК** қувватсиз с. белги оти. Қувватсизликдан гандиракламоқ.

**ҚУВДИРМОҚ** қувмоқ I, 2, 4 фл. орт. н. Уйдан қувдирмоқ.

**ҚУВИЛМОҚ** қувмоқ фл. мажх. н. Бўлмагур хаёллар миядан қувилди. ■ Созандалар уйдан қувилди, кетларидан музыка асбоблари бирин-кетин улоқтирилибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ҚУВИШМОҚ** қувмоқ фл. бирг. н. Турли миллат ўғлонлари бир тан, бир жон бўлишиб, ёни юртимиздан қувшиди. ■ Улар бир-бирларини қувишиб ўйнашар, .. яйрашар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУВИШТИРМОҚ** I қувишмоқ фл. орт. н.

2 Орқасидан қувмоқ; эргашиб юрмоқ. Бола онасидан бир қарич ҳам жиламай, уни қувиштириб юради.

3 кўча Суриштирмоқ, пайига туш-

моқ, топиш ёки аниқлаш учун астойдил қиришмоқ.

**ҚУВЛАМОҚ** Қувмоқ ёки қушлаб етмоқ. Қўрққани ажал қушлар. Мақол. ■ [Фотима:] Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман деб, ғозларни қушлагани қушлаган. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Уйинг куйгур тасқара миршаблар изинга тушиб қушладими? Ойбек, Қутлуг қон. Сиз қушламасангиз, мен Марғилонга бормайман! [деди Қумуш]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Йўр-ей! — Бобоқул ўтирган ўрнида қўл силтади. Гўё бу билан бошидаги ишбуҳаларини қушламоқчи эди. С. Анорбоев, Оқсой. [Умурзоқова] қўшимча шўҳрат орқасидан қушлайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҚУВЛАНМОҚ** қушламоқ фл. мажх. н. Уста Олим .. Отабекнинг қутидор томонидан қушланганидан тортиб, шундан бери Марғилонга етти-саккиз мартаба келиб кетганини .. сўзлаб чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУВЛАТМОҚ** қушламоқ фл. орт. н. Мен боя, қизлар, қанислара буюриб, .. қушлатиб юборганимда нима қилар эдингиз? «Равшан».

**ҚУВЛАШМАЧОҚ** бол. I Етиб ёки тутиб олиш учун бир-бирини қушлаш ўйини. [Чумчуқлар] худди қушлашмачоқ ўйнашайтгандай, бири урса, бири қўнар, .. баъзан ҳаммаси бирдан чиғиллашиб юборишарди. А. Мирахмедов, Қулган чечаклар.

2 Югуришда ким ўзиш мусобақаси.

**ҚУВЛАШМОҚ** қушламоқ фл. бирг. н. Уни уйдан қушлашибди. ■ Болалар қийқариб, уни қушлаша кетди. Ойбек, Қутлуг қон. Уғил-қизлар. Қоньки отиб учишар, Бир-бирларин қушлашиб. И. Муслим. Булутлар ҳам денгиздаги муз сингари бир-бирини қушлашарди. Х. Шамс, Оқ падар. Қуллар орқасидан ойнар, .. йиллар қушлашиб ўтди. Х. Зиёхонова, Арзанда.

**ҚУВЛИК** I қув I с. белги оти. Холмат аканинг қувлиги мени хайратда қолдирди. Н. Юсуфий, Рўзи баракнинг ўғли.

2 Қув одамларга хос айёрона хатти-ҳаракат, айёрлик, хяйла, макр. [Турғун Тўлани] сувдан қуруқ чиқиб учун қувлик қиляпти, деб ўйлади. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Севган ёринг, Узинг каби жуда оқ кўнели. Қувлик-шумликларни ўрганмаган, Кўнелида кири йўқ, соддади. Уйғун. Минг бир қувлик билан [Зумрадни] алдадим, аврадим, ахир олиб келдим-да. Ойбек, Улуг йўл.

**ҚУВЛОҚ** Қувиб, хайдаб юборадиган, қулғин қилувчи. — Сиз .. қочқоқсиз! — деди [Қумуш]. — Сиз қувоқсиз! [деди Отабек] А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУВМОҚ** I Етиб ёки тутиб олиш учун орқасидан югурмоқ, қушламоқ. Ит мушукни қувиб етолмайди. Илон қувса, йўлга қоч, тўя қувса, ўрга қоч! Мақол. ■ Ҳазрат Алининг дўбулини

ҳеч бир от қувиб етган эмас, китобларда шундай ёзилган. Ойбек, Қутлуг қон. Из қувноқ қ. из 4. Йўл қувноқ с. т. жадал, тинимсиз ва узок йўл юрмоқ. Юрар йўлдан қолмади, Йўл қувса ҳам толмади. «Рустам».

2 Бирор ердан кетишга мажбур қилмоқ. Жуман .. Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ? Еқма! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шиддатли ишурм натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди. Н. Сафаров, Жангчи шоир. | Четлатмоқ, бўшатмоқ. Сал фурсат ўтмай, Ҳоким тўра тилмочни ишдан қувди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 кўча Сиқиб чиқармоқ, сиқиб чиқариб ўрнини олмоқ. Бу ёруғлик аста-секин қоронғиликни қувиб, узоқдаги адирлар, дарахтлар, бутун саҳро, ҳатто .. тупроқ ҳам кўкмишир-қуларанг тусга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ўзидан узоқлаштирмоқ, қочирмоқ, нари кеткизмоқ, чиқармоқ, тарқатмоқ. Қўздан уйқуни қувоқ. Миядан ёмон хаёлларни қувоқ. ■ Сорахон тез фурсат ичида унинг кўнелидан Мунисхон ишқини қувиб чиқарди. А. Қаҳҳор, Сароб. [Сулуг] отасининг фожиясини ҳам, Жапақнинг номини ҳам миясидан қувди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 кўча салб. Кетига, пайига тушмоқ, пайида юрмоқ. Пул кетидан қувоқ. Шўҳрат орқасидан қувоқ. ■ — Отам ғирт оми бўлишига қарамай, ўта диндор эди. У фақат охиратни деб яшаган, умр бўйи савоб қувган, — деди чол. А. Муқимов, Қопқон.

**ҚУВНАМОҚ** Хурсанд, шод бўлмоқ, яйраб-яшнаб бахра олиб, шод-хуррам бўлмоқ. Кўз қувнайди. Кўнели қувнайди. ■ Атайин ўйнагани, қувнагани келган .. бу қув-келинега итифот билдирмаслик гуноҳдек туюлди. С. Анорбоев, Оқсой. Қелине, болалар Бир ўйнайлик! Арча қўшиғин Айтиб қувнайлик! И. Муслим.

**ҚУВНАТМОҚ** қувнамоқ фл. орт. н. Кўзни қувнатадиган манзара. Кўнелини қувнатадиган хабар.

**ҚУВНОҚ** I Чехраси доим очик, хафагарчиликни билмайдиган; хушчақчақ. Қувноқ бола. ■ [Нуринисо] бир қоп ёнғоқдай шадир-шудир, қувноқ қиз экан. Ойбек, Қутлуг қон. || Ҳамма хушчақчақ, қувноқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қувонч ва шодликка тўлган; шодликни, хурсандликни ифодаловчи. Қувноқ қулгилар. Қувноқ овозлар. ■ Бирреаликда ўтган шовқин-суронли болалик, қувноқ ёшлик тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚУВНОҚЛИК** I қувноқ с. белги оти. Унинг қувноқлиги ҳаммага ёқади.

2 Қувноқ кайфият, ўйин-қулғи, хурсандлик, хурсандчилик. Афсусланоню, руҳида шу дақиқагача бўлган қувноқлик ўрнини маъносилик олди. Шўҳ-

рват, Шинелли йиллар. Хурининг ўзи ҳам кўринишидан оғир бўлса-да, қувноқликни яхши кўрарди. Ф. Мусажонов, Хури.

**ҚУВОНИШМОҚ** қувонмоқ *фл. бирг. н.* Болалар беҳад қувонишиб, йўлчининг бўйнига осилишиди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ҚУВОНМОҚ** Хурсанд, шод бўлмоқ, севинмоқ; вақти чоғ бўлмоқ. *Адолат .. тунги суви шимириб тирилайтган ҳар бир ғўзани кўриб қувонарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сидиқжон .. Урмонжонни кўрди-да, бутун мушқули осон бўлгандай, қувониб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚУВОНТИРМОҚ** қувонмоқ *фл. орт. н.* Кекса жангчи Горкуновнинг унинг ротасига ўтиши Мурзинни жуда ҳам қувонтириб юборди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ҚУВОНЧ** Шодлик, хурсандлик туйғуси, кайфият; шодлик, севинч. *Қувонч билан кутиб олмоқ. — Тўй. Бу сўз .. калбагалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ох, у дамлар! .. эсласам қалбимни қувонч, руҳимни шодлик қучади.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Йўлчининг кўнгли қувонч билан тўла эди, чунки ёри ўз ёнида.* Ойбек, Кутлуг қон. **Қувончи ичига (ёки дилига) сиғмайди** жуда ҳам хурсанд, ғоят шод. *Ичкарида хотинлар мажлиси: .. биров ёр-ёр ўқиб, тагин биттасининг қувончи ичига сиғмай хаҳолаб, дунёни бузади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУВОНЧИҚ** Кишига қувонч, шодлик бағишлайдиган, кўнглини кўтарадиган, хурсанд қиладиган энг азиз кимса, нарса. *Унинг қувончиги — ёлғиз фарзанди. Сен менинг қувончигимсан.*

**ҚУВОНЧЛИ** 1 Қувончни ифодаловчи, шодлик ва хурсандликни акс эттирган; шодлик ва хурсандлик билан тўлган, севинган, шод, қувноқ. *Қувончли табассум.* Қувончли юз. — *Элмурод ва унинг дўстлари .. қувончли, порлоқ кунларининг қандай ўтаётганини сезмасдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди, Бахтиёр элимнинг қувончли саси.* Ғайратий.

2 Кишига қувонч бағишлайдиган, қувонса, хурсанд бўлса, севинса арзийдиган. *Қувончли натижа. Қувончли хабар. — Шу вақт Юрьев батальонининг жангчилари учун яна бир қувончли хадиса юз берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚУВОНЧСИЗ** Нохуш, кўнглисиз.

**ҚУВРАЙ**, оқ қуврай Чўл-дашларда ўсадиган, майда тиканли бир йиллик ёввойи ўт.

**ҚУВРАМОҚ** Қуримоқ, қовжирамоқ (ўт-ўлан ҳақида). *Яйловдаги ўтлар қувраб қолган.* | Нами қочиб қотиб қолмоқ, қақрамоқ (ер-тупроқ ҳақида). *Хайдалган ер бир-икки кун ўтказиб борона қилинса, тупроқ қувраб серкесак бўйиб қолади.*

**ҚУВУР 1** Катта, йўғон сопол труба. *Обраҳага қувур қўймоқ.*

2 Умуман катта йўғон труба. *Пўлат қувур.*

3 Сув, газ ва ш. к. ўтказиш учун қурилган система, иншоот. *Газ қувури. Нефть қувури. Сув қувури. — Самоварнинг қувурига ғишт бостираётган Ражаб бобо сапга аралашди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 с. т. Замбарак, тўп каби қуроолларнинг ўқ отилиб чиқадиган узун қисми; ствол. *Тепаликларнинг этагида оғир тўплар, узун қувурлари осмонга кўтарилган зениткалар туради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ҚУВҒИН 1** Зўрлик билан ўз жойидан хайдалган ёки сургун қилинган киши.

2 Зўрлик билан ўз жойидан хайдаш, хайдалиш ёки сургун қилиш, қилиниш; шу ахволдаги ҳаёт. *Қуғин орқасида аслда уюлмаган халқ, яна ҳам тарқалиб кетади.* Айний, Жаллодлар. **Қуғин бўлмоқ, қуғинга учрамоқ** (ёки дучор бўлмоқ) қувилмоқ, хайдаб юборилмоқ. *Наҳот яна кўрпа кўтариб қуғин бўламан.* С. Аҳмад, Хўкм. **Қуғин қилмоқ ёки қуғинга дучор қилмоқ** 1) қувиб, хайдаб юбормоқ; қувламоқ; 2) таъқиб қилмоқ. *Тўқсонов уни чиндан ҳам қуғин ва қуфатга дучор қилса қилаверади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚУВҒИНДИ** айм. **қуғини 1.** У қуғинди Навоийни ҳам шу кайфиятда деб ўйлар эди. Ойбек, Навоий. *Кун чиқиб .. қуғиндиларнинг елкаларига офтоб тегиб, оломонга сал жон кирди.* А. Мухтор, Чинор.

**ҚУДА** Қуёв ва келиннинг ота-оналари (бир-бирларига нисбатан). *Хотин қуда. Эркак қуда. Қуданинг оши билан қудагайни сийламоқ.* Мақол. — *Э, бўлмағур гапни қўйинг, қуда! — деб ғудранди отам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Вой, қудам кептилар!* Вой, гириттон! Эсонмисиз, омонмисиз! Хой, келинпошиша, қудамни нега уринтириб қўйдингиз? А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Қуда бува** қуданинг отаси ёки кекса ёшдаги эркак қуда. **Қуда буви** қуданинг онаси ёки кекса ёшдаги хотин қуда. **Қарши (ёки қайчи)** қуда қ. қарши. **Қуда қилмоқ** уғил уйлантириб ёки қиз чиқариб келин-куёв томон билан ўзаро қудалик муносабатлари ўрнатмоқ, қудалашмоқ. [Ўғурғли:] *Мен Авазхон билан Ҳасанхонни [бир-бирига] қуда қилайин.* «Равшан».

**ҚУДА-АНДА** Қудалардан бирининг барча узоқ-яқин қариндошлари (иккинчи қудаларга нисбатан). *Қуда-андалар билан борди-келди қилмоқ. — Қуда-андани ўйлаган ойим, сенга бутунгина маҳси ҳам кийеизиб юбормабди. Маҳсинени қара, оёққа илиб бўлмайди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ҚУДА-АНДАЛИ** Қуда-андаси кўп; бир неча ўғил уйлантириб, қиз чиқариб кўп оилалар билан қуда-андалик

муносабатлари ўрнатган. *Қуда-андали киши. Қуда-андали бўлмоқ.*

**ҚУДА-АНДАЛИК** Қуда-андаларнинг ўзаро қариндошлик муносабатлари.

**ҚУДАЛАШМОҚ** Ўғил уйлантириб ёки қиз чиқариб келин-куёв томон билан ўзаро қуда бўлмоқ. *Демак, келаси кузга Мирзакарим қўтидор Салим шарбатдор каби бир кишига қудалашиб олгандек, Қумушуби ҳам Отабек ўрнига Қомилбекни алмаштирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУДАЛИК 1** қуда с. маъ. от.

2 Қудалар ўртасидаги ўзаро қариндошлик. [Қози:] *Додхонинг, минг қилса, сизга қудалик ҳурмати бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ҚУДАЧА** Ёш хотин қуда. *Қудамиз Мирзакарим қўтидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлғайким, бизлар бунда соғ-саломатдирмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУДАЧИЛИК** айм. қудалик 2. *Шерикчилик — бир йилчилик, қудачилик — минг йилчилик.* Мақол. — *Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешик кетди» қилиб қўйган экан. Ун саккиз йил қудачилик қилишибди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚУДА-ҚУДАҒАЙ** Эркак ва хотин қуда; эркак ва хотин қудалар, қуда-андалар. *Ойжамол эртасига Барчининг қошига борди. Қуда-қудағай бўлиб, бир-бирини жуда иззат қилиб қолди.* «Едгор».

**ҚУДАҒА(Й)** Хотин қуда. Қиз билан йиғитни кўрган қудағайлар гап-сўз чувалмаслиги учун тез орада унашиб қўйишига эрларини қистай бошлайлар. Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ҚУДРАТ** [а] 1 дин. Худонинг ҳар нарсага қодир кучи, илоҳий куч. *Домла ғуддираган овоз билан пўпса қилди: Худонинг қудратига шак келтирманг!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирор қудрат мабодо ёш қилолсайди, Унда тугилар эди минг турли ҳавас.* Ғ. Ғулом. **Ё қудратингдан (ўргилай!)** ортиқ ҳайратни ифодаловчи ундов. [Қампир:] *Фалончининг келини тўрт оёқли бола тугибди, пешанасида ҳам бир қўзи бор эмиш, ё қудратингдан ўргилай!* Ойбек, Кутлуг қон.

2 Катта ишларга қодир катта куч, қувват, Халқ қудрати. *Саноатнинг қудрати. — Узоқ даҳшатли музлар бизнинг қудратга бўлур банд.* Ғ. Ғулом. *Эй, қаҳрамон девюрак, жасур, улғу халқ, Қудратингдан йўқ бўлди хўрлик, асорат.* Ғайратий. **Қудрати етмайди** имконияти йўқ ёки етишмайди, қўлидан келмайди, қурби етмайди. *Мана ҳар кун юзларча той газлама ташийман. Битта чопон тиктиришига қудратим етмайди.* Ойбек, Кутлуг қон. [Майсара:] *Шундоғ-у, қудратим етса, туя сўяр эдим.* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Ҳоли қудрат ёки хол-бақудрат** қўлидан келганча, кучи етганича. *Равшан хола .. кўп қатори*



ҳоли қудрат колхозда ишлади. С. Сиев, Райхон.

3 Кудрат (эркаклар исми).

**ҚУДРАТБАХШ** [a+ф-т] Кудрат, куч-қувват бағишловчи, кучга куч қўшадиган. *Дўстлик ана шундай қудратбахш куч.* Х. Муродов, Жон қўшни.

**ҚУДРАТЛИМОҚ** Зўр куч, қудрат касб этмоқ, буюк ишлар қилишга қодир бўлмоқ. *Жонажон партиянинг муборак номи билан, Башар қуёши каби сўнмас илҳоми билан, Қудратлиниб, уюниб дадил қараб илгари, Янги қадам ташладик улуг манзилгоҳ сари.* Э. Раҳим.

**ҚУДРАТЛИ** Катта ишларга қодир, зўр, катта имкониятларга эга бўлган; кучли. *Қудратли Ватанимиз. Қудратли совет халқи. Қудратли техника.* — У Қизил Армияни дунёда энг қудратли, енгилмас армия деб билади ва унга ишонади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚУДУҚ** 1 Сув олиш мақсадида қазилган тор ва теран чуқурлик. *Артезиан қудуғи. Қудуқ суви. Илм олишиена билан қудуқ қазииш билан баробар.* Мақол. — *Матқовул қудуқдан сув тортиб туриб, бу ёққа қараб-қараб қўяр .. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қудуқдан торгандай қизгангандай, жуда оз, аяб, қисиб-қимтиб.*

2 Ер остидан газ, нефть олиш ёки ер-тупроқни текшириш учун пармалаш машиналари воситасида қазилган жуда чуқур тор ўра; скважина. *Бурғиланган қудуқ. Газ қудуғи. Иссиқ минерал сув қудуғи. Нефть қудуғи.* — *Олиб чиқди тоғнинг бошига, Санолмадим нефть минорасин. Қўрғом қудуқ пармалаётган Йигитларнинг повон — сарасин.* Ё. Мирза.

3 махс. Урача шаклидаги деталь. *Қарбюраторнинг компенсация қудуғи.*

**ҚУЁН** 1 Кемирувчилар оиласига мансуб, қулоқлари ва орқа оёқлари узун, кичик югурик хайвон. *Оқ қуён. Қуён гўшти. Қуён териси.* — *Тўнак орқасидан қулоқлари диккайдан қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб буталар орасига яширинди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 с. т. Кемирувчиларга мансуб, қуёнга ўхшаш хайвон, хонаки қуён.

3 *қўйма* Юраксиз, журъатсиз, қўрқоқ (одам ҳақида). *Майна .. Нарзи ота билан гурунглашишни .. истамасди. Бу қари қуён бирор ваҳимани жавраб, ғашимни келтиради, деб индамасди.* Ш. Тожматов, Эрк қўши. **Қуён юрак** қўрқоқ, юраксиз. *Сизни дуруст одам деб юрардим. Қўрқоқ, қуён юрак одам экансиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қуён бўлмоқ** с. т. қочиб қолмоқ, жуфтаник ростламоқ. [*Мунаввархон*] *ишхонасига бир кўриниш беради-ю, қуён бўлади.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. **Қуёнинг инини** (ёки уйини) **ижарага олмақ** қочгани жой топа олмай қолмоқ. [*Мирзарамил*] *Уша кунни қуёнинг ҳовлисини арзонга ижа-*

*рага олиб бераман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

4 Мучал йил ҳисобида тўртинчи йил номи. **Қуён йили** мучал йил ҳисобида тўртинчи йил (қ. мучал); харгўш йили.

**ҚУЁНХОНА** Қуён боқиб кўпайтириш учун мосланган махсус хона ёки катак.

**ҚУЁНЧИЛИК** Чорвачиликнинг хонаки қуён боқииш ва улардан махсулот егиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Қуёнчилик фермалари.*

**ҚУЁНЧИҚ** 1 Сон орқали тиззага қараб йўналган пай, томир (қассоблар термини).

2 Тутқаноқ, эпилепсия. *Алломиш айтди: Нима қилди, дўстим? — Болалик кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди,— деди Қоражон.* «Алломиш».

**ҚУЁШ** 1 (Қ — катта) астр. Бизнинг Галактикада жойлашган ва ўз атрофида айланувчи, ҳамма планеталарга ёруғлик ва иссиқлик бериб турадиган, қизгин газ ҳолидаги юмалоқ ёриткич. *Қуёшнинг чиқииши ва ботиши. Қуёш нури. Қуёш тутилиши. Қуёш соати. Қуёш йили айн. шамсия* 1 1.

2 (асосан ж. к. ва й.п. к-да) Офтобнинг нури, ёруғлик; офтоб, кун тушиб турган жой, офтоб. *Қуёш ваннаси. Ёз қуёшида қораймоқ. Адирлар қуёшида товлашиб кўринади. Қуёша тутмоқ.*

— *Атрофига ғишт ётқизиб йўлка қилинган теп-текис, чор бурчак ҳовли қуёшида қизиб жимгина ухлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Солдатлар қаҳқаҳлашиб юборишди. Айниқса қора қошили, юзлари қуёшида пишган йиғит силласи қуриб куларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 Қуёш (эркаклар исми).

**ҚУЁШЛИ** Қуёш чиқиб нур сочиб турган, ҳаво очиқ, офтобли. *Қуёшли август кунларининг бирида Ҳаловат барвақт уйғонди.* Н. Орифжонов, Ҳаловат. | *Йилнинг кўп вақти ҳаво очиқ бўладиган, серқуёш. Сен қуёшли йўлка боласи, Истиқболнинг нури ва порлоқ.* Ғайратий.

**ҚУЗҒУН** 1 зоол. Чумчуқсимонлар туркумининг қарғасимонлар оиласига мансуб, хар қандай нарсаи ҳам еяверадиган, ўлмитиххўр ўтроқ қуш.

2 *қўйма нафр.* Ҳеч нарсадан хазар қилмайдиган, юлғич, текинхўр; талончи, босқинчи. *Бу қузғунларга ўттиз-қирқ тийин пул ёки жуда бўлмаса, бир жуфт шам бериш лозим эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. *Сизлар менинг ёнимда турунелар, мен халқ бошига битган бу қузғунларни [босмачиларни] ўз қўлим билан жазолайман.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ҚУЙДИРИЛМОҚ** қуйдирмоқ *фл. мажх. н.*

**ҚУЙДИРМОҚ** қуймоқ 1, 2, 4, 5 *фл. орт. н.* Ваннага сув қуйдирмоқ. *Ғишт қуйдирмоқ. Пойдевор қуйдир-*

*моқ.* — *Баровга ўлим тилагунча, ўзинга умр тила, мочағар! Йўқса, оғзинга қўрғошин қуйдираман,— деди Мардонбек Нодирага.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**ҚУЙИ** 1 Бирор баландликка нисбатан пастроқ жойлашган; паст, тубан. *Қуйи жой.* || *Бошини қуйи солмоқ.* || [Отабек] .. *отини ҳовлига қараб етаклай бошлаганда, ҳамиги қараб турган бош ҳам девордан қуйига тушиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Ердан унчалик баланд бўлмаган, бошқаларга нисбатан ерга яқин, паст. Қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга соме каби эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Пастки, остки. *Қуйи жағ.* — [Аждаҳо] *сува кириб, қуйи лабини дарёнинг остига ёпиштириб, юқори лабини сувнинг юзига тутлади.* Айний, Эсдаликлар.

3 *от* Уйнинг, хонанинг тўрга нисбатан пастки ери, ўрни, томони; пойбаган. *Қуйидан жой кўрсатмоқ.* || *Уйнинг тўрига чирик қора наमत ташланган, қуйи томони яланғоч ер.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Ҳовли, боғ, дала ва умуман жойнинг кишилар яшайдиган ёки баланд еридан узоқ ёки паст жойи; этак, чет, чекка, охир. Боғнинг қуйиси.* || *Сувлар оқар қуйи томонга.* Шайхзода. *Боғнинг қуйи томонида бир чизикда саф торган адл тераклар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Йирки, юқори, марказий ташкилотларга нисбатан тобе, кичик, маҳаллий. *Қуйи совет идоралари. Партиянинг қуйи органлари.* — *Комсомолнинг қуйи органларидан тортиб, юқори органларигача барча раҳбарлик органлари сайлаб қўйилади.* «ВЛКСМ Устави».

5 Ёши, даражаси, мавқеи ва ш. к. жиҳатдан унча юқори бўлмаган; кичик. *Етмиш ёшдан қуйи эркаклар. Қуйи лавозимлар.* — *Қоровул йиғитлар ўрданинг улуг даражали бекларини таъъин билан узатар, мансаби қўйироқ ясовулар билан мутобиқа қилишиб қолар эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҚУЙИДА** *рви* Тубанда, пастда. *Қуйида баён этилган. Қуйида кўрсатилган.* — *Айниқса, қуйида зикр қиладирган ҳолимиз бу икки опа-сингилнинг характеридаги фарқларини очиб кўрсатиш учун етадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУЙИДАГИ** Тубанда кўрсатилган, айтилган, зикр қилинган, пастдаги. *Мажлисида қуйидаги масалалар кўрилади. Утган вақт ичида қуйидаги ишлар қилинди.* — *Намийжада хонга қуйидаги нома ёзилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Қуйидагиларга амал қилсанг, сенга ўқ тегмайди, енгилмайсан.* А. Қаххор, Бос тепкини.

**ҚУЙИДАГИЧА** *рви* Тубанда кўрсатилганидек, айтиладиган, зикр қилинадиганидек, тубандаги тарзда, тартибда, аҳволда; тубандагича. *Сайлов*

қуйидагича ўтказилади. Масала қуйидагича ҳал бўлади. Қоринча қуйидагича тайёрланади. — Бу ҳақда қисқача ва умумий бир тасаввур қуйидагича эди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҚУЙИЛИШ I қуйилмоқ I фл. иш оти.** Мияга қон қуйилиши.

2 Дарёнинг денгизга, кўлга бориб қуйиладиган ери, мансаб.

**ҚУЙИЛМА** Қуйиб ясалган нарса, деталь. Чўян қуйилмалар.

**ҚУЙИЛМОҚ I қуймоқ I, 2, 4, 5 фл. мажх. н.** Кўк чой жонон пиёла-ларга қуйилди. Бир кунда икки мине донга ғишт қуйилди. Бронзадан ҳайкал қуйилди. — Қўзларимни эўрга очдим — қовоқларим қўргошиндан қуйилган сингари оғир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мияга қуйилмоқ мияга жо бўлмоқ, қаттиқ ўзлашмоқ, англашилмоқ. [Элмурод] чойхонага тўпланган ишчиларга кундалик газетани ҳам-манияг миясига қуйилиб қоладиган қилиб ўқиб берар эди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 қуймоқ фл. ўзл. н. Кўз ёши ёмғирдай қуйилди. — Турдиев бундоқ қараб, қўзларига қон қуйилиб кетган, ўнг қўлида тўплонча, чап қўлида граната тутган Рақитинини кўрди. Шухрат, Шинелли йиллар. Симёғочлардаги чироклардан нур ерга сутдай қуйилиб туради. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

3 Оқиб бориб сувини бир ҳавзага тўкмоқ. Сирдарё Орол денгизига қуйилади. — Тоғ-тошлардан оқиб тушган сувлар кўптириб оқиб Зарафшонга келиб қуйилади. Ж. Шарипов, Саодат.

4 кўчма Жуда кўп миқдорда келмоқ, оқиб келмоқ, ёғилмоқ. Гап қуйилиб келаверди, ҳатто ёзишга ҳам шошиб қолдим. — Жой йўқ ҳатто таёқ ташлашга, Гўё кўкдан одам қуйилган. Э. Раҳим.

5 кўчма Пастга қараб ўқдек йўналмоқ, шўнғимок, югурмоқ, учмоқ. Тепаликдан сой томон қуйилиб, икки фашист от қўйиб, қочиб борар эди. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши.

**ҚУЙИНМОҚ қуймоқ I фл. ўзл. н..**

**ҚУЙИШ I қуймоқ фл. иш оти.**  
2 тех. Қуйма буюм, қуйилма тайёрлаш иши; қуймачилик. Қуйиш цехи. Чўян қуйиш заводи. Қуйиш технологияси.

**ҚУЙИШМОҚ I қуймоқ I, 2, 4, 5 фл. бирг. н.**

2 Вирор нарса қуйишда бошқага ёрдамлашмоқ, бирор кишига кўмак тарзда қуймоқ. Ҳашарда мен ғишт қуйишдим.

**ҚУЙИШТИРМОҚ** Қайта-қайта қуйиб аралаштирмоқ, қайтармоқ. | Бир неча идишдаги суюқликни бир идишга йиғмоқ, тўпламоқ ёки турли суюқликларни қўшиб омихта қилмоқ. Қолган майлар қуйиштириб қўйилди.

**ҚУЙМА I** Қуйиш йўли билан тайёрланган, қуйилган. Қуйма буюмлар. Қуйма трубалар. Қуйма конструкциялар.

2 айн. қуйилма. Чўян қуйма. — [Денеизчилар] .. кўл ичида ёночга ҳам, металлга ҳам, силга ҳам ўхшамайдиган ялтироқ тиниқ рангли қуйма ётганини кўришган. М. Аминжоновна, Шишанинг кашф этилиши.

3 кўчма кам қўл. Жуда келишган, хушбичим. Шербек эгилте қараб юма-лоқ, қуйма қирғиз йиғитга кўзи тушди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 кўчма Кўп такрорланадиган, бир қолиндаги (гап, сўз, ибора ҳақида). Қуйма гаплар. — Бундан ҳам натижа чиқмади — ҳамон ўша, сира ўзеармайдиган қуйма жавоб. А. Қаҳҳор, Сароб.

5 кўчма Аниқ-равшан, чертиб-чертиб айтилган; бурро.

**ҚУЙМАЛИК қуйма 3—5 с. белги оти.** Ифоданинг қуймалиги. — Унинг [солдатнинг] чехраси аниқ кўринмаса ҳам, гапларининг қуймалигидан кўрни кўрганга ўхшарди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ҚУЙМАЧИЛИК** Қуйиш йўли билан буюм ишлаб чиқариш. Қуймачиликни ўрганмоқ. Қуймачилик қилмоқ. Қуймачилик цехи.

**ҚУЙМОҚ I I** Суюқликни бир идишдан бошқа идишга туширмоқ, солмоқ. Графиндан стаканга сув қуймоқ. Бакдан машинага бензин қуймоқ. Сут қуймоқ. — [Хотин] дастурхонни ёзиб устига нонни қўйди-да, пиёлага иссиқ чой қўйиб эрига тутди. С. Зуннунова, Гулхан. Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гап билан бўлиб, .. кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуй-чи бир-иккни. А. Қодирий, Утган кунлар. | Ювиш, ювиниш, қориш ва ш. к. мақсадларда суюқликни бирор нарсага йўналтириб тўкмоқ, сочмоқ, оқизмоқ. Ювлаган кирни чайқаш учун устидан совуқ сув қуймоқ. — Гулнор бир обдастага сув тўлдириб, дадасига тутди. — Қуй, ўзинг, — деди Ёрмат, ҳам айвоннинг лабига ўтириб, этик ювишга бошладди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳожи хола .. Қимларнинг қўлига сув қуймади, қимларнинг кўнглини хуш қилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Утга (ёки оловга) керосин қуймоқ қ. ўт I.

2 Сочмоқ, тарқатмоқ. Бошдан зар қуймоқ. — Офтоб осмондан олов қуйяпти. С. Аҳмад, Таъзим.

3 Қаттиқ, шиддат билан ёғмоқ (ёмғир, сел, жала ҳақида). Эрта кўз жаласи тоғлик жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бу вилоятнинг самоси ғалғирдай сув тутмас бўлганидан, ёмғир ёз бўйи роса қуйди. Ойбек, Куёш қораймас. | Жуда кўп миқдорда, мўл-кўл оқизмоқ, тўкмоқ. — Нимага йиғламай, қошки кўзим оқиб тушса, ҳечнимани кўрмасам ... — кўз ёшларини қуйиб сўзлади Гулсунбиби. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Сув бермоқ, суғормоқ. Экинларга

сув қуймоқ. — Фахриддин какликка сув қўяётиб отасига қараб қўйди. А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

5 Тайёр қолинга эриган нарса солиб буюм тайёрламоқ. Шам қуймоқ. Қозон қуймоқ. Ғишт қуймоқ. — Рабочийлар .. Темирни эритиб, машиналар қуйиб, Колхозларни шоду-хуррам қулдирган. Фозил шоир. | Умуман қоришма, лой ва ш. к.да қолиплаб тайёрламоқ, ясамоқ. Пойдвор қуймоқ. — Гувала қўяётганимизни кўрмасдан, қўлимизнинг лойлигини кўриб қуладиган бўлса, кулаверсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ [Бировнинг] тегирмонига сув қуймоқ қ. тегирмон. Сув қуйгандек қ. сув. Тагига сув қуймоқ йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, тагига етмоқ. Қуйиб қуйгандек I) жуда келишган, хушбичим. Низомжон Зебихонга тикилиб туриб, унинг қоп-қора қошларига, қуйиб қўйгандек келишимли қоматига маҳлиё бўлиб қолди. С. Аҳмад, Уфқ. II Жўйрон от устида қуйиб қўйгандек ўтирган бу хушқомат йиғитга қараб ҳамманин ҳаваси келарди. М. Оснм, Утзор; 2) ўзига жуда ярашган, ёпишиб тушган. Адл қад, хилча белига қуйиб қўйгандек ёпишиб турган гимнастёркаси, бирам ўзига ярашган. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз; 3) нақ ўзи, худди ўзи, сира ажратиб бўлмас даражада ўхшаш. У қуйиб қўйгандек отасининг ўзи. Қулогига қуймоқ қ. қулоқ I I.

**ҚУЙМОҚ II** Тухумга ун чалиб ёгда қовуриб тайёрланган овқат. Қуймоқ пиширмоқ. — Жаннат хола шошиб ун чалиб қуймоқ солди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚУЙМУЧ I** анат. айн. думгаза I. Бақа гавдасининг умуртқа поғонаси қисқа бўлади ва узун қуймуч суяги билан тамомланади. «Зоология».

2 Гавданнинг бел билан думгаза ўртасидаги орқа қисми. Отнинг йўртганига елкасидаги милтиғи билан қуймучидаги тўплончаси мақом қилади. П. Турсун, Ҳқитувчи. У икки қўлини қуймучига қўйиб, уйнинг ўртасида андак ййлааниб турди-да, сўнгга диванага ўлтирди. А. Қаҳҳор, Сароб. Шербек Нигорага ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим сочи баланд қуймучида тўлганиб ётарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚУЙРУК I** айн. дум I. Қуйруғи узун ит. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур. Мақол. — Бедоғга ярашган қуйруқ ҳам ёлиб. Эргаш шоир. Қушни осмонда тўтиб турадиган қанот билан қуйруғи. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 айн. думба I. Боқилган қўйларнинг қуйруғи қучоққа сиғмас эди. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яшии. Мақол. — Тажрибали чопқинчилар Ҳирот томонига бораётганда ҳар икки-уч соатлик йўлда маълум бир ерга қуйруқ ёғи бўлақларини қўйиб қўйган эдилар. Айний, Қуллар. — Омбор бўлса эди, магазин бўлса эди, ҳеч бўлмаганда бригадирлик мартабасига эришсам эди, ничогим қуйруқ устида бўларди. —

деди Алиқул. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 кўчма салб. Кимсага кўр-кўрона эргашувчи, унинг хизматига доим тай-ёр одам ҳақида. *Соли совуқ ўз куйруғига буюрди: — Жуманбой, пастдан палос олиб боринг, чопинг! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 Самолёт, кема ва ш. к.нинг орқа қисми. Самолётнинг куйруғи. Кеманинг куйруғи. Куйруқ тутувчи айн. **Куйруқчи.**

**КУЙРУҚЧИ** эск. Кеманинг кетинги рулини бошқарувчи киши.

**КУЙҚА** 1 Суюқлик остига йиғилган чўкинди; лойқа, куйқум. *Бўёқ куйқаси. Мусаллас куйқаси. Тиндирилган сув куйқаси.* | Бўтқасмон куюқ қоришма. *Гил сувда эримганлигидан куйқа ҳолда бўлади.* М. Баходиров, Тупроқшуносликдан амалий машғуллар.

2 кўчма нафр. Ўлиб, йўқолиб бораётган синфларнинг, гуруҳларнинг охириги намояндаси, қолдиғи. *Реакцион шайх, эшонлар, қора гуруҳчи контрреволюцион куйқалар бутун совет халқининг, янги социалистик тузумнинг шахдам қадамларига дош беролмаслиги аниқ эди.* А. Хотамов, У тоғлардан юксак. [Тешабой чинордаги латталарни йиғиб, улоқтиради:] Маҳалла куйқалари шунга йиғилдими, дада. Х. Ғулум, Тошболта ошиқ.

**КУЙҚИНДИ** айн. куйқа 1.

**КУЙҚУМ** айн. куйқа 1. Тиндирилган сув куйқуми. Бочкани тағига чўккан куйқумдан тозалмоқ.

**КУЛ** 1 тар. Эксплуататорлик жамиятининг илк даврларида хусусий мулк, мол қатори олиб-сотилган, бус-бутун хўжайинга қарам бўлган, ҳеч қандай ҳақ-хуқуқ ва молу мулкка эга бўлмаган хизматкор. *Кул бозори. Кул савдоси.* — *Отабек Раҳматнинг саволига .. жавоб берди: Кулимиз. А. Қодирий, Утган кунлар. Хизматкор кул эмас, фойда кўрмаса турадимиз? Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Умуман синфий жамиятда эксплуатация асоратида, сиёсий-иқтисодий қарамлик асоратида ҳар қандай хуқуқдан маҳрум бўлган, эзилувчи киши. *Қизлар бунда чўри, тул эди, Йигитлар хўр, гадо, қул эди.* Э. Раҳим.

3 кўчма салб. Кимсага кўр-кўрона хизмат қилувчи, буйсунувчи; итоатгўй, малай, хизматкор. — *Майли, — деди Фазлиддин, — лекин шундай яхши қулни улар бизга беришмас дейман.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Бизнинг Қамишқапада кўпчилик аёллар ҳали ҳам «тўрт девор» ичида эрларига қул бўлиб келмоқдалар, — деди Гулсум. П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 кўчма Бирор кимсага, нарсага қаттиқ берилган киши, унинг фидойиси. *Яхши гапнинг қулиман. Ўз қарашларининг қули.* — *Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули.* Айний, Дохунда. *Секинг отанг .. эскилик қули. Онангдан*

*бошиқа ғамхўринг, йиғидан бошиқа иложинг йўқми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Фидокор, жонқуяр курашчи. Мен маърифатнинг бир қулиман, қулнинг меҳнатига эса пул билан ё пулга чақиллабган нарса билан ҳақ тўланмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Кулинг ўргилсин с. т.** жуда яхши, жуда соз, ажойиб. *Кулинг ўргилсин жой. Кулинг ўргилсин жонон.* — *Бунақа кулинг ўргилсин шўрвани уйда келиннингиз ҳам қилиб берган эмас, хожон!* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**КУЛА** диал. Сайхон, кенг, чексиз. *Кийикнинг юраги қула чўлиди? «Гўрўғли».*

**КУЛАЙ** Бирор ишни бажариш, бирор мақсадни амалга ошириш учун энг мос, энг мувофиқ, қўл келадиган. *Кулай фурсат. Кулай шароит. Қўчат ўтқазиш учун кулай давр.* — *Танкларимиз .. ҳамма қилиш учун кулай позицияларни шигол қилган эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. **Кулай йўл** 1) ўнг келадиган, ўнг йўл; 2) кўчма мақсадга тез, осонроқ етиштирадиган йўл, усул. | *Амалга оширилиши осон, унча кўп куч ва малақа талаб қилмайдиган. Қесиб кетмон билан тоиларни лойдек, Кўрингай қаттиқ ишлар ҳам кулайдек. Ҳабибий. Қиш кунни арава сафари ҳам кулай иш эмас.* А. Қодирий, Утган кунлар. [Нури] ўз режасининг бундай кулай амалга оширидан ҳадсиз севинди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кулай қилмоқ с. т.** ўмармоқ, ўзлаштирмоқ.

**КУЛАЙЛАМОҚ с. т.** 1 Кулай, ўнгай, мувофиқ ҳолга келтирмоқ, мос, осон қилмоқ, осонлаштирмоқ.

2 Кулай қилмоқ, ўмармоқ, ўзлаштирмоқ.

**КУЛАЙЛАНМОҚ** 1 кулайламоқ 1 фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 кулайламоқ 2 фл. мажҳ. н.

**КУЛАЙЛАТМОҚ** кулайламоқ фл. орт. н. *Меҳнатни кулайлатган, Эсон бўлсин ҳукумат.* «Фольклор».

**КУЛАЙЛАШМОҚ** Тобора қулай бўлмоқ, қулай бўлиб бормоқ, қулай бўлиб қолмоқ. *Йўллар кулайлашмоқда.* — *Шундай қилиб, чолнинг иши анча кулайлашди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛАЙЛАШТИРМОҚ** кулайлашмоқ фл. орт. н. *Ишни кулайлаштирмоқ. Шароитни кулайлаштирмоқ.*

**КУЛАЙЛИК** 1 кулай с. белги оти. *Фурсатнинг кулайлиги. Асбобнинг кулайлиги. Пул жамғариш учун омонат кассанинг кулайлиги.*

2 Яшаш, ишлаш ёки бирор ҳаракат қилиш ва ш. к.учун энг қўл келадиган имконият, мос шароит. *Кулайлик бермоқ. Кулайлик тугдирмақ.*

**КУЛАЙСИЗ** Ўнг, қулай келмайдиган; ноқулай. *Кулайсиз йўл.*

**КУЛАЙСИЗЛИК** 1 кулайсиз с. белги оти. *Ўриндиқнинг кулайсизлиги.*

2 Яшаш, ишлаш ёки бирор ҳаракат қилиш ва ш. к.га халал берадиган ша-

роит; ўнгайсизлик, ноқулайлик. *Кулайсизликни бартараф қилмоқ.*

**КУЛАМОҚ** 1 Зарб билан йиқилмоқ, ағдарилмоқ. *Зилзилада кўпгина эски уйлар, деворлар қулади.* Чирмаан дарахт қулаб тушди. — *Узоқ бўғиқ гулдирши эшитилди. Гўё қайдабир тоғларнинг боши емириллар, харсанг тоилар ҳар томонга даҳшат билан қулар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бектемир милтиқдан ўқ узди: бири бир лаҳзада қотиб, сўнг қулади.* Ойбек, Қуёш қораймас. У .. тағсиз чоҳга қулаб кетаётгандек жуда ёмон кўрқиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Йўқ, маҳв бўлмоқ, йўқ, маҳв этилмоқ, ағдарилмоқ; тушмоқ. *Подшоҳ тахтдан қулади.* — *Россияда крепостной ҳуқуқ қулагандан кейин капитализм анча тез ривожлана бошлади.* «КПС тарихи».

3 кўчма с. т. Жон бермоқ, ўлмоқ. *Чол қуламай турибди. Қулаган кун уларнинг ёқасини бўғаман, меросимни даъво қиламан!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛАТИЛМОҚ** кулатмоқ фл. мажҳ. н. *Эски уйлар қулатилди.* — *Билгимча, ҳокимнинг паршионлиги шундан. Борди-ю, оқ подшоҳ тахтидан қулатилса.* Н. Сафаров, Уйғо-ниш.

**КУЛАТМОҚ** куламоқ фл. орт. н. *Дарахтни қулатмоқ. Деворни қулатмоқ. Кўпчилик бирикса тоғни қулатар.* Мақол. — *Жаҳдан бир мушт уриб, танча устида турган катта ламтани қулатай деди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Шахталарда шахтёр шиддаткор, .. Кўмирларни қулатар яхлит.* Е. Мирза. *У менга сизнинг ўғлингиз Раззоқ Бухоро амирини қулатишда қатнашганини айтган эди.* Х. Ғулум, Машъал.

**КУЛАТТИРМОҚ** кулатмоқ фл. орт. н.

**КУЛА-ТУЗ** Кенг дала, дала-туз, дашт. *Йўл юрандир кўп қула-туз, Ё кеча тинмайди кундуз.* «Алпомиш».

**КУЛАШМОҚ** куламоқ 1, 3 фл. бирг. н. *Ҳамма устма-уст қулашиб, пароканда бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛВАЧЧА** 1 Қулдан тарқалган киши, қул авлоди, қулнинг боласи, фарзанди. [Мансур:] *Бало ошпаз, бало, Улғунча айёр, Ўзи қулвачча-ю, идроки юксак. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Уларнинг ёнига тиқилишиб, юзларча қулваччалар бормоқда.* Жўрабоев, Мулла Б. м.

2 кўчма салб. Қулларча итоатгўй одам, хизматкор. — *Мана, қулваччангизни олиб келдим, тақсир!* — *деди боланинг отаси ва домлага қанчадир букланган қоғоз пул узатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КУЛДОР** тар. Қул эгаси.

**КУЛДОРЛИК** 1 Кулга эгалик. *Боғи афзал қишлоқларида, қадимги замонларда, бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида кулдорлик жуда ривож топган экан.* Айний, Эдалиқлар.

2 Қуллар кучидан фойдаланишга асосланган. *Кулдорлик жамияти.*

**КУЛДУРАМОҚ** Кулдур-кулдур товуш чиқармоқ. У .. бир нарса дегандай бўлди — гапирдим, ичи кулдурадими — билиб бўлмади. А. Қаххор, Йиллар.

**КУЛДУРАТМОҚ** кулдурармоқ *фл. орт. н.* Сартарош кичкина ҳовоқ шилмини .. кулдуратиб узоқ-узоқ тортади. Ойбек, Болалик.

**КУЛДУР-КУЛДУР** тақл. с. Узуқ-узуқ бўғиқ товуш ҳақида. *Ичи кулдур-кулдур қиялпти.*

**КУЛЖАЛЛОБ** *айн. кулфуруш.* Карвонбошининг ўзи, қулжалооб ва молининг бариси қул ва чўрилар бўлгани сабабли, қул бозори бўлган Поишостона гузарига саройлардан бирига тушиши лозим эди. Айний, Куллар.

**КУЛЛАРЧА** *рвш* Кулларга хос бўлган, куллар каби. Кулларча бўйсунмоқ. || Кулларча итоаткорлик. — Хизматкорлардан кулларча мутеликни, ҳар қандай оғир ҳақоратга «лом-ним» демасликни талаб қилган бойбадан, бунга чидай олмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛЛИК** I қул I, 2 с. маъх. *от.* — Эски унум нима берур? — Куллик, зулмат, очлик, хўрлик. — Бу унумлар нима берур? — Бирлик, роҳат, тўқлик, хўрлик. Ҳамза. Уламолар хотин-қизларни қулликда сақлаш учун, уларнинг озодликка чиқиш ҳаракатига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Х. Турсунқулов, Ҳаётини қиссаси. *Куллик, асорат занжирин узиб Эркинликка чиққан мен.* Ғайратий. **Куллик қилмоқ** бировга қул бўлиб ёки қул каби ишламоқ. Мен бундан буён сизга қуллик қилмайман .. Лекин ўттиз йил хизмат қилиб, ёшлик кучини барбод бериб, олтимишга кириб бир уйдан қувилган чал қаердан хизмат топа олади? Айний, Куллар. *Халқимиз ўзини қулликка солдириб қўядиган халқ эмас.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 с. т. Кулдорлик, қулчилик. *Ўрмон полвоннинг отаси Абдурахимбойнинг егулматаси экан. Онамининг айтишига кўра, қуллик замонида бизнинг оталаримиз, оналаримиз унинг қўли остида бойда ишлар эканлар.* Айний, Куллар.

**КУЛЛОБ** I *эск. кт.* Қармоқ, чангак. I Тузоқ.

**КУЛЛОБ** II Тананинг қасал жойини тортиб боғлаб қўядиган белбор. ёки халта. *Куллоб тутмоқ.*

**КУЛЛУҚ** с. т. I Миннатдорлик ифодаловчи сўз; раҳмат, миннатдорман. *Ёрдамингиз учун минг марта қуллуқ.* — *Қўрқманг, ҳожил!* .. Кўқонга борган, биринчи ишим ўғлингизни қутқариши бўлсин. — *Қуллуқ, қушбеги.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Куллуқ қилмоқ** қўлини кўксига қўйиб миннатдорчилик изҳор қилмоқ, таъзим қилмоқ. *Ҳасан овчи дарвозагача қуллуқ қилиб, орқаси билан юриб борди ва посбонлар қаршисида ўзини ростлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Дехқон шодлик .. билан тўла, қуллуқ қила-қила чиқди.* Ойбек, Навоий.

2 *диал.* Муборак, қутлуғ. *Нафиса, ўғил қуллуқ бўлсин .. жонгинам.* А. Мухтор, Туғилиш. *Элнига катта-кичиклари «қуллуқ бўлсин»га кела берди.* «Алломиш». [Хожил:] *Ораққул уйида бўлса, қуллуқ бўлсин қилиб чиқай.* А. Қаххор, Йиллар.

**КУЛОЧ** Отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаш кетадиган ёввойи хайвон, ёввойи хачир. *Кулоч бошига иш тушса, қуйруғига сир айтмас.* Мақош.

**КУЛОЧ** I Елка баландлигида керилган икки қўлининг ўрта бармоқ учлари орасидаги масофа (узунлик ўлчов бирлиги сифатида). *Бир қулоч арқон. Уч қулоч ёғоч.* — *Ҳасан сўфи бу аҳволни кўриб: — Эҳ-ҳа, бу ёқ бир қулоч наст, у ёқ бир ярим қулоч чамаси баланд бўлса, тоза бўлган экан ишларимиз!* — деди. М. Исмоилий Фарғона т. о.

**Кулоч ёзмоқ** (ёки ёймоқ) I) икки қўлини елка баландлигида кермоқ. *Ал-васти қиёфасига кирган бир аёл .. қулочларини ёзган ҳолда кўнанинг чап томонига қараб юзюра кетди.* Ф. Расул, Тўнғич ўғил; 2) кўйма кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ, авж олмақ, ривожланмоқ. *Уй-жой қурилиши кенг қулоч ёйди. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда;* 3) кўйма кенгаймоқ, ёйилмоқ. *Дарё, анҳор оқсин чўл сари, Кулоч ёсин дунё боғлари.* К. Мухаммадий. **Кулоч отмоқ** I) қўлларини галмага-гал сувдан чиқариб ва богириб сузмоқ. *Одамлар учун бу тўлқинда қулоч отиб сузадиган пайт келди.* П. Турсун, Уқитувчи; 2) кўйма айн. **Кулоч ёзмоқ** 2. *Қиз темир қозик билан занг урди, овқатга чорловчи садо узоқларга қулоч отди.* Т. Расулев, Сарбон. **Кулочинга қараб кетмон чоп** «кучинга, буй-бастинга яраша ишла», маъносидаги матал. *Мен ўшанинг [Холдорнинг] тенгеманми! Қулочига қараб кетмон чопсин-да!* Ж. Абдуллаев, Тонг ёришган соҳилда.

2 Кенг очилган қулоч (йўғонликни ўлчашда). *Ерга чўпни тиқиб қўйсанг, кўқариб, қулочка ситмас дарахт пайдо бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛОЧҚАШ** I Бирор иш ёки ҳаракат қилиш учун қулоч отувчи, ёзувчи. **Кулочкаш қилиб** қулочини ёзиб, қулочкашлаб. *Хушмўйлов ийғит қулочкаш қилиб офицернинг қалласига солмоқчи эди, Аҳмаджон қўлини тутди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 *кўйма* Жуда узун, узундан-узун. *Мажлисда нутқ қулочкаш, Сайраб томоқни қоқлаб, Машинадан бўлиб ғаш, Қўйда теришини ёқлаб.* С. Абдулла. | *Жуда кенг, катта. Пахтага ана шундоқ қулочкаш майдон керак.* Ойбек, О. в. шабадалар. I

3 *кўйма* Кучоққа сифмайдиган, йўғон; қалин. *Ёв қўрғонни қамал қилиб, унинг қулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшини каби, одамлар тоғ этагига тўғлиб кетдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КУЛОЧҚАШЛАБ** *рвш* Қўлларини,

қулочини **куч**, шиддат билан ёзиб, шиддат билан қулоч отиб. **Кулочкашлаб** урмоқ. **Кулочкашлаб сузмоқ.** — [Жомил Рустамов] *қаршида ўрмалагувчи фашист танкига кулочкашлаб граната ирғитди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшинги. — *Қани, бошланглар, гап қорин тўйғизмайди.* — деди-да, **кулочкашлаб кетмонни ура кетди.** Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**КУЛОЧЛАБ** *рвш* I Кулоч билан, қулоч ёзиб, қулоч-қулоч қилиб. **Кулочлаб ўлчамоқ.** — *Канални истаганча пухта ишлаб, Битирдиқ ҳам қулочлаб, ҳам қаричлаб.* Ҳабибий.

2 *айн.* **кулочкашлаб.** *Хон кетар, ёрини йўқлаб, Урди отини қулочлаб.* «Муродхон».

**КУЛОЧЛАМОҚ** I Кулоч билан ўлчамоқ. *Арқонни қулочласам, йигирма қулоч чиқди.*

2 Кулоч ёзиб ушламоқ; кучоқламоқ. **КУЛОЧЛИК** Кулоч узунлигидаги. *Бир қулочлик таёқ.* — *У ўттиз қулочлик унғурдан .. катта-катта харсанг тошларни орқалаб юзуради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КУЛОЧ-ҚУЛОЧ** I Бир неча қулоч. *Кулоч-қулоч арқон.*

2 *кўйма с. т.* Жуда узун, узундан узоқ. *Кулоч-қулоч ариза.*

**КУЛОҚ** I I Эшитиш органи ва унинг ташқи қисми. *Одамнинг қулоғи. Отнинг қулоғи. Урта қулоқ. Қулоқ пардаси. Қулоқ супраси. Қулоқ солинчаги. Қулоққа болдоқ тақмоқ. Қулоғини (қулоғидан) чўзмоқ.* — *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Эшак деганнинг қулоғи узун бўлади; бароннинг қулоғи мутлақо йўқ.* А. Қаххор, Барон фон Ринг. **Қулоғи динг қ. динг. Қулоғи йўқ** гапга, сўзга кирмайди, гап кор қилмайди; қулоқсиз. *Қулоғи йўқ бола. Қулоғи оғир қ. оғир. Қулоғим сенда (ёки сизда) гапирарвер, эшитаялман ёки эшитмоқчиман.* — *Хўп, қани қулоғим сизларда,* — деди Бўтабой. *Хотинлар бир-бирларига қарашди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Кулоқ бермоқ** (ёки **осмоқ**) I) тингламоқ, эшитмоқ. *Гапга қулоқ бер. Музыкага қулоқ бермоқ.* — *Икковимизнинг фикримиз қарама-қарши бўлса ҳам, сиз менга аввал қулоқ беринг, сўнгга бир гап бўлар.* А. Қаххор, Сароб. *Сайидвали .. ўзини эшитмаганга солиб, Бўроннинг латиғасига қулоқ осиб тураверди.* С. Сибеев, Чархпалак; 2) сўзга кирмоқ, бировнинг айтганини қилмоқ. *У ҳеч кимга қулоқ бермайди. Қулоғи битди қ. битмоқ* I. **Кулоқ солимоқ** I) қулоқ бермоқ, тингламоқ, эшитмоқ. *Менга қулоқ солиб туринг.* — *Зиёдаҳон унинг сўзига шунчалик қизиқиб қулоқ солдики, шунча хамирни қандай қилиб уера кесганини билмай қолди.* А. Қаххор, Қўшчинор; 2) эшитиш, пайқаш учун диққатни жалб қилмоқ ёки қулоқ тутиб тингламоқ. *Врач беморнинг юрагига қулоқ солди.* — *Ҳай, бу шовқин нима? — кампир кўча томонга*

қулоқ солди. Ойбек, Қутлуғ қон; 3) ай. қулоқ бермоқ 2. У ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди; 4) парво қилмоқ, эътибор бермоқ. *Бойлар .. халқнинг дод-войига қулоқ солишмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қулогин тинчиди қ. тинчимоқ** 3. Қулоқ тишлаш этн. болаликданоқ унаштириб, бешик кертги қилиб қўйиш. *Тўтихон билан Набижоннинг юлдузи бир-бирига тўғри келмади .. Ёшликдаги қулоқ тишлалар чиппака чиқди.* «Муштум», 1961, № 12. **Тешик қулоқ эшити** тади қ. тешик. Қулоқ қашмай ўйла-ниб ўтирмасдан, дарров. Қулоқ қимирлатмай эътироз билдирмасдан, қаршилиқ қилмасдан; сўзсиз. Қулоқ қоқмоқ дин. намоз ўқишда бош бармоқларни қулоқларига теккизмоқ. *Афанди .. мехробда қулоқ қоқиб, пешанасини сажбага қўйиб, бемалол чўзилиб ётаверди.* «Латифалар». **Қулогинга айтмоқ** (ёки гапирмоқ) ўзига секингина, бошқаларга эшиттирмай, шивирлаб айтмоқ. **Қулогинга айтадиган** (ёки айтиладиған) гап фақат ўзига айтиладиған, бировга эшиттирилмайдиган гап. *Мираев .. Латофатхонга иккита хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан-оёқ «рахматдан иборат» эди, кейингисиди, «қулогингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қахҳор, Қўк конверт. **Қулогинга гап кирмайди** 1) гапга парво қилмайди, қулоқ солмайди, қулогини йўқ, қулоқсиз; 2) гап тинглаудай ҳоли йўқ, хаёли, дарди бошқа ёқда. **Қулогинга етказмоқ** хабардор қилмоқ, маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Гапнинг дарров қулогинга етказишди.* — **Бизнинг вазифамиз бу мақолаи халққа, биринчи навбатда колхозчиларнинг қулогинга етказиш. А. Қахҳор, Қўшчинор. **Қулогинга етмоқ** 1) эшитилмоқ (овоз ҳақида). *Баъзи вақт унинг [чолнинг] қўшиғи Унсин қулогинга етди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўйма биров орқали етиб бормоқ, маълум бўлмоқ, эшитилмоқ (гап, хабар, овоз ва ш. к. ҳақида). *«Менинг ишим ҳали буларнинг қулогинга етмабди шекилли, деб ўйлади Эмин.* И. Раҳим, Чин мухаббат. **Қулоққа олмоқ** қулоқ солиб, эшитиб, айтилганга кўнмоқ, унга амал қилмоқ; *Менинг сўзим қулогингга олмадинг.* «Алпомиш». **Эшакнинг (ёки ҳўкизнинг) қулогинга танбур чалмоқ қ. танбур.** **Қулоққа урилмоқ** эшитилмоқ (овоз ҳақида). *Қий-чув товуи қулоққа урилади.* **Қулоққа чалинмоқ** (ёки ча-тилмоқ) қ. чалинмоқ. **Қулогинга қўймоқ** 1) ёдан кўтарилмайдиган қўлиб, яхшилаб тушунтирмоқ, миясига қўйиб қўймоқ; 2) тайинламоқ, уқдирмоқ, қулогини пишитмоқ. *Элчида айб йўқ, у ўз ҳўкдорининг қулогинга қўйиб қўйган гапларини гапирди, холос.* М. Осим, Тўмарис. **Қулогинга қўйиб ол** пухта билиб, тушуниб, уқиб ол, ёдиндан чиқарма. **Қулогин остида** (ёки тағида) қолди с. т. вафот этди, ўлди. *Қушхонага кириб, не кўзим билан кўрай, Миққийнинг қулогин остида қол-***

ган, яъни ўлган эди. *Ғ. Ғулом, Шум бола. Шундай қилинмаганда, ҳар икки томондан бир неча кишининг қулогин остида қолиши турган гап эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Қулогиндан кун кўринадиган** жуда озгин, ориқ. *Қаранг, ҳаммасининг юзидан қонин қочган. Қулогиндан кун кўринадиган.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Қулоқдан қулоққа** бир-бирдан эшитиб. *Оқсоқолнинг қандай ажойиб томошаларни кўргани, қандай меҳмонхонага тушгани тўғрисидаги гаплари қулоқдан-қулоққа, оғиздан-оғизга ўтди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Қулоқларни батанг қилмоқ қ. батанг.** **Қулоқни битирмоқ қ. битирмоқ.** **Қулогини пишитмоқ** (ёки пишиқтирмоқ) айн. қулогинга қўймоқ 2. *Мингбоши .. Жўрагонни ҳам сўроққа талаб қилиб қолишлари мумкинлигини ўйламаган эди. Қизининг қулогини пишиқтириб қўймаганига, мана энди афсус еб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **Баъзи** нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Челакнинг қулогин. Ёғоч қаравотнинг қулогин. Чигириқнинг қулогин. Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса.* Мақол.

3 **Бош кийимларнинг** қулоқларни ва яякни ёпиб, иситиб тутиш учун тушириб қўйиладиган узун қисми. *Телпакнинг қулогин. Шапканинг қулогин.*

4 **Баъзи** механизм ва музыка асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Дуторнинг қулогин. — Машиқлар ўз асбобларининг қулоқларини бураб, созини тўғрилайди.* А. Қахҳор, Сароб. *Шу машинанинг қулогини бурасанг, лаганча гир-гир айлайиб, ашула, дутор-тамбур санғиллайверади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ота радионинг қулогини буради.* Н. Максудий, Юксалиш.

5 **с. т.** Автомобиль, трактор ва ш. к. машиналарни бошқариш учун хизмат қиладиган қурилмаси; руль. *Хушёрлик билан машина қулогини бураб кетатган ёш шофёр Қозим, ўзининг ҳарбий ҳолатда эканини сезиб, ниҳоят гайратланган.* М. Мухамедов, Машқ.

6 **с. т.** Ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча. *Уч юз гектарча ернинг ғўзаси учинчи марта экилди. Аммо биш ҳам бўйи келмади: ғўза қулоқ кўрсатди дегунча парваршилаб, яғаналайвердик.* И. Шамшаров, Енгини. *Баҳор жамалари полларни сувга тўлдириб, шולי қиёғининг қулогиндан тортиб чиқарди.* С. Ахмад, Уфқ. **Ғўза (ёки чигит) икки қулоқ бўлди** чигит униб, кўкариб, ғўза ер бетига чиқди. *Орадан ҳафта ўтмаёқ илк экилган чигитлар икки қулоқ бўлиб ер бетига маржон донасидек тишилди.* Ш. Ғуломов, Комсомол ирода-син.

♦ **Озги қулогинда** жуда хурсанд. *Бугунги саҳатдан Асал буғининг дилгирлиги ёзилди, озги қулогинда бўлиб қайтди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Қулогиндан** (ёки қулогингача) дунёга кўнмоқ дунёга кўниб юбормоқ, бошидан зар сочмоқ. **Қулогиндан** (ёки қулогингача) қарзга ботмоқ жуда кўп қардор бўлмоқ, қарзга кўнмилмоқ. **Қулогини бураб қўймоқ** 1) таъбир бериб қўймоқ; 2) қаттиқ тайинлаб, буюриб қўймоқ. — *Коммунистларнинг ичида ўзини рўқач қилиб, хотинларининг қулогини бураб қўйганлари ҳам йўқ эмас.* — деди Адолат. С. Зуннунова, Гулхан. **Қулогиннинг тағида** шавла қайнатмоқ қ. шавла.

**ҚУЛОҚ II I** Сувнинг анҳор, канал, ўқ ариқ ва ш. к.дан кичик сув йўлига, ариқларга тармоқланиб ўтадиган жойи; даҳана. *Колхозимиз каналдан саккизта қулоқ орқали сув олади. Отанг мироб бўлса ҳам, қулоқнинг бошида бўл! Мақол.* — *Тилим шўх яллада, доим хаёлимда баланд ҳосил, фикр текис сўғормоқ бўлса, зеҳним сув қулогинда.* С. Абдулла.

2 Шундай жойдан ўтадиган сув миқдори. *«Ақбар ақининг кўзига» шу қадимий дарёнинг экинига бир қулоқ сув чиқариб ололмай армонда ўтган, бахт излаб элма-эл кезган ғуружаройликлар кўринди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

**ҚУЛОҚ III** [р кулак] Қароллар ва камбағаллар, деҳқонлар кучидан фойдаланувчи, уларни эксплуатация қилувчи қишлоқ бойи; катта ер эгаси. *Иш текшириди, Бозор ота .. аллақердан қочиб келган қулоқ бўлиб чиқди.* А. Раҳмат, Варрақчи чол. *Бултурги йил қулоққа чиқарилиб Ук-раинага жўнатилган Абдужалил тегиримончининг кичкина меҳмонхонаси «Четан» колхозининг идораси эканлигини биз юқорида ўқиб билганмиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҚУЛОҚДОШ** Бошқалар билан биргаликда қулоқ солувчи, бирга эшитувчи. *[Султонбек Маддизима:] Қулоқдош бўлиб тур.* *Турғунга айт, тайёр турсин!* К. Яшин, Тор-мор.

**ҚУЛОҚЛАШМОҚ I** Бир-бирининг қулогинга шивирлашмоқ, бошқаларга эшиттирмасдан маслаҳатлашмоқ. *Қорасочдан ҳирсли кўзларини узмаган бек; бой билан қулоқлашди.* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

**ҚУЛОҚЛАШМОҚ II** Қулоққа айланмоқ, қулоқ табақасига ўтмоқ. *Урта деҳқоннинг қулоқлашуи.*

**ҚУЛОҚЛИ I** Қулогин бўлган, қулогин бор. *Уч қулоқли қозон. Ғўза икки-уч қулоқли бўлгандаёқ қультивация қилинади.* — *Шу вақтда кампир икки қулоқли ёғоч от ясади.* «Эртаклар». *Булардан бири нимча пўстин, қулоқли телпак кийган новча, жуда ҳам йўғон бир киши олдинда Сафаров билан ёнма-ён келар эди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Гапга, сўзга кирадиган, қобил. *Қулоқли бола.*

**ҚУЛОҚЛИК I I** қулрқ I с мавз. от. 2 Бош кийимига қулоқ қилишга ярайдиган, етарли материал: қундуз, қоракўл териси ва ш. к.



**ҚУЛОҚЛИК II қулоқ II с. мавз.** от.

**ҚУЛОҚЛИК III қулоқ III с. мавз.** от.

**ҚУЛОҚМА-ҚУЛОҚ** *реш* Қулоқдан қулоққа эшитилиб, бир-биридан эшитиб. *Лектор галстугининг туегунини тез-тез ушлаб қўйиша урганиб қолган экан, орқада ўтирган бир қиз шу ҳақда бир нима деб дугонасини қулдирди, бу гап қулоқма-қулоқ кетди.* А. Қаххор, Қу-юшқон.

**ҚУЛОҚ-МИЯ:** қулоқ-мияни емоқ ёки қулоқ-мияни қоқиб қўлига бермоқ гапиривериб, жавраб, шовқинлаб ва ш. к. жондан безор қилмоқ, мияни ачитмоқ. *Ит ангиллайвериб қулоқ-мияни эди.* — *Шаҳарга холамизни-кига мени ҳам олиб боринг,— деб қулоқ-миясини едим.* Ойдин, Фонарь та-гида. [Хайджон:] *Бошинг айланиб ки-риб қолсанг, қулоқ-миянени қоқиб қў-лингга беради.* Ҳамза, Паранжи сир-лари.

**ҚУЛОҚСИЗ I** Қулоғи бўлмаган, қу-лоғи йўқ. *Қулоқсиз қозон.*

**2** Қулоғи кесик; чиноқ. *Қулоқсиз ит.*

**3** Қулоғи эшитмайдиган; қулоғи оғир, кар. *Бу нарса қулоқсизлар учун ишланган асбоб, буни ҳар қандай қулоқсиз киши таққанда ҳам энг аста товушларни эшита олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**4** *Кўча* Гапга, сўзга кирмайдиган, қулоққа олмайдиган. *Дала-тузни сув олади, Қўнғир гознинг тўшидан, қулоқ-сизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол.

**ҚУЛОҚЧИН** Тушириб қўйилмайдиган қулоқли иссиқ телпак. *Қулоқчиннинг қулоқларини тушириб олмоқ.* — *Эг-нида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида пўстинли этик, бўйнида санитар сум-қаси.* Ойдин, Сўхбати жонон.

**ҚУЛОҚЧУЗМА I этн.** Бола туғил-гандан кейин бир ҳафта ўтгач берили-диган зиёфат ва бу зиёфат вақтида кўзи ёриган хотин тишлаб турган иккита нонни олиб қочиш (нонни би-ринчи бўлиб узиб олган бола қочади, бошқалари уни қувлайди, қочган бола ушланса, «қулоқчўзма» деб унинг қу-лоғини чўзадилар).

**2 этн.** Бекинмачоққа ўхшаш бола-лар ўйини (бу ўйинда бир бола марра пойлайди, қолганлари унга туқкиз-масдан маррага етиб келишга ҳаракат қилади, пойлоқчи қайси болани қу-виб етиб, ушлаб олса, маррагача унинг қулоғидан чўзиб келади).

**3** Уришиб, бир-бири билан сўзлаш-май юрган болаларни қулоқларидан чўзиб, бир-бирининг номини айттириб яраштириш. **Қулоқчўзма қилмоқ** қу-лоғидан чўзмоқ, танбех бермоқ, жа-золамоқ ёки яраштирмоқ. [Алимов:] *Уринбосар бўлагандан кейин баъзан қўни-қўшини, эру хотин ўртасида бў-ладиган жанжалларга аралшиб, қу-лоқчўзма қилмасак ҳам, ҳар қалай, икки тарафнинг ўртасига тушган*

*совуқчиликни қўтариб, уларни яраш-тириб қўямиз.* «Муштум», 1967, № 6.

**ҚУЛП:** қулп урмоқ I) гуркираб авж олиб кўкармоқ; яшнамоқ, гулламоқ. *Гулзорда ўсма, хиша, райҳон ва жам-биллар қулп уриб ётибди.* — *Эрта кўклам қулп уради тоғ лоласи.* «Кў-шиқлар». Менинг назаримда ҳозир кўклам қулп уриб турганга ўхшайди. П. Қодиров, Уч илди; 2) *кўчма барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ, гуллаб-яшнамоқ. Қулп урасан сав-лат тўкиб кенг Осийға, Маиғал бў-либ нур сочасан шарқий самоға.* Т. Тўла.

**ҚУЛТ I тақл. с.** Сууюқликни ютган-да ёки оғзи тор идишдан қуйганда эши-тиладиган товушлар ҳақида. *Сувни қулт этиб (этказиб) ютмоқ. У пиё-лани қулт этиб бўшатди.* — *Очил қўйналиб йиғлаётган Замирани кўз олдига келтирди-ю, тупугини қулт этиб ютди.* П. Қодиров, Уч илди.

**2 айн. қултум.** — *Мен йўлайманки,— деди Эргани, яна бир қулт сув ичган-дан кейин,— сен колхоз нима эканли-гини билмайсан ва билмасдан қарши гапирасан.* Айний, Қуллар.

**ҚУЛТИЛАМОҚ «Қулт-қулт»** то-вуш чиқармоқ.

**ҚУЛТИЛАТМОҚ қултиламоқ фл. орт. н.** — *Сал хотинчалиш кўринади,— деди ароқни қултилатиб ютгандан кейин Асқар полвон.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қимизфурушлар .. одамлар-нинг ташналигини қондиришдан хур-санд бўлагандек, тўрсиқнинг бўғиздан ушлаб қултилатиб қимиз қуйганлари қуйган эди.* М. Осим, Элчилар.

**ҚУЛТУМ I** Бир ютишли сууюқлик миқдори; бир ютим сууюқлик. *Бир қултум сув.* — [Умарали ота] *пиёла-даги сўнги қултум чойни хўплаб ўр-нидан турди.* А. Ҳамдам, Қолхоз оқ-шоми. | *кам қўлл. Хўплаш, ютиш. Йўли бўларга масҳара бўламаслик учун стаканни қўлига олди-да, икки қултумда бўшатди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**2** *кўчма* Озгина, бир қатра (сууюқ-лик ёки сууюқ овқат ҳақида). [Жамила:] *Кетамиз! Бир нарча куюк қулча, бир қултум шулон шўрвани ҳар жойдан ҳам топиб ичамиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ҚУЛТ-ҚУЛТ қулт I с. тақр. Ста-** канларга қулт-қулт винолар қуйила бошлади. М. Муҳамедов, Қахрамонлар изидан. *Чолнинг томоғига бир нима тиқилгандек бўлди, қулт-қулт тупук ютинди ва гапира олмай турди.* А. Муҳиддин, Ёдгорликнинг тўйи. [Шафтолини] *секин пўстини арчи-санг, оғзинга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қулт-қулт ютсанг.* А. Қаххор, Кўк кон-верт.

**ҚУЛУН I** Бир ёшга тўлмаган тойча, тойчоқ. *Тойчоқлар қулоқларини чими-риб, кишинишиб, йўноқлашиб, гала-гала бўлиб қудуққа ташланнибди.* Би-ялар қулунлари орқасидан навбат қу-

*тиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Ушк йили, эсимда, кеч куздаёқ қор ёғиб, қиш қулун ташлаб қўйган эди.* А. Мух-тор, Давр менинг тақдиримда.

**2 (I-ш. эгалит ф-да)** Уғил болаларни эрқалатиш ёки эрқалатиб муурожаат қилиш формаси. *Ҳой, отгинанг нима эди, қулуним, шўраанг совиб қолди!* О. Ёқубов, Баҳор кунларининг би-рида. *Бош устингда туриб қуйлай ўзим, Қир қулуним, чойшаб қўйнига.* Миртемир.

**ҚУЛУНЛАМОҚ** Туғмоқ (бия ха-қида).

**ҚУЛУНЛАТМОҚ қулунламоқ фл. орт. н.** Бияларни қулунлатиш.

**ҚУЛУНЛИ** Қулунни бор, қулунла-ган. *Қулунли бия овула сизмас.* Мақол. — *Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли бияни миниб юришга қарши.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҚУЛУНТОЙ** Қулунчоқ, тойчоқ.

**ҚУЛУНЧОҚ I қулун с. эжрл.** Ухлар қирда бўталоқ, Олтин ёлли қулунчоқ. Ғ. Ғулум.

**2 айн. қулун 2.** Алла, болам алла-ё, қўзичоғим алла-ё, эркин юртда ту-ғилган, қулунчоғим алла-ё. «Кўшиқ-лар».

**ҚУЛУПНАЙ [р клубника] I** Пушти ёки қизил ранг, тутсимон мевали, кўп йиллик полиз ўсимлиги. *Қулупнай эжмоқ.*

**2** Унинг ширин хушбўй меваси. *Қулупнай мураббоси.* || *Қулупнай қиём.*

**ҚУЛФ [а] I** Эшик, қопқоқ ва ш. к. калит билан беркитиш ва очиш учун қилинган махсус буюм ёки мослама. *Найча қулф. Осма қулф. Ич қулф. Дарвоза қулфи. Эшикка қулф солмоқ. Қулфни очмоқ.* || *Қулф уй.* — *Жаннат она .. эшикни очиш учун қулфни ти-мирскилади.* А. Қодирий, Утган кун-лар. *Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулф билан шарқ этиб беркитди-да, Адолатга эргашди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**2** Турли нарсаларнинг, буюмларнинг беркиладиган қисми. *Соат занжири-нинг қулфи.*

**3** *Кесим* вазифасида Қулфлаб қўйил-ган, берк. Дарвоза қулф. *Магазин қулф. Уй қулф.* — *Дехқонлар тўғонни кўтармакчи, тўғон қулф.* Н. Сафа-ров, Уйғониш.

◆ **Қулфи дил** икки сир, юракдаги, айтилмаган, аён бўлмаган мақсад, орзу-истак ва ш. к. Унинг [қизининг] *қулфи* дилини билмаслик — бу чиндан ҳам қулғили бир нарса эди. О. Ёқубов, Икки муҳаббат. **Қулфи дили очилди** I) сирини, юракдаги борини айта бош-лади, ёрилиб гапирди. *Қарим ота «бировнинг сирини айтмайман», деб аввал тархашлик қилди-ю, бир-икки саволга жавоб бергандан кейин қулфи дили очилиб кетди.* А. Қаххор, Тўйда аза; 2) *кайфи чор* бўлди, хурсанд бўлди, баҳри-дили очилди. *Кенг пах-тазорни қоплаган яшил кўрпанинг сермавж тўлқини далаларга чунонам файз киритдики, кўрган кишининг*

кўзи қувониб, қулфи дили очилади. Х. Назир, Индамас. **Оғзига қулф солмоқ** (ёки урмоқ) 1) гапиртирмай кўймоқ, оғзига урмоқ. *Унинг жаовоби барчанинг оғзига қулф солди.* Шухрат, Шинелли йиллар; 2) ҳеч нарса дея олмайдиган қилиб қўймоқ. *Адамчи, рибкор, ғаламис сўзин Фош этиб, оғзига қулф урган сенсан.* Шухрат.

**ҚУЛФ-КАЛИТ:** қулф-калит қилмоқ 1) қулфланадиган, калит билан очиладиган қилмоқ; 2) кўчма рухсатсиз бирор жойга бермайдиган, бирор иш қилмайдиган қилмоқ, қаттиқ таъқиб ёки назорат остига олмоқ. *Эртақлардаги ялмоғиз сингари катта бувиси уни қулф-калит қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУЛФЛАМОҚ** Қулф билан беркитмоқ; қулф осиб ёки қулфларнинг калитини бураб беркитмоқ; калитсиз очилмайдиган қилмоқ. *Дарвозани қулфламоқ. Ожборни қулфламоқ.* — *Элмурод .. квартирасини қулфлаш олдидан хром эттишини, яни бўлишига қарамай, мойлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Мирзакаримбой] .. бир нимани олиб, тезгина чўнтагига яширди, сандиқни яна қулфлади. Ойбек, Қутлуг қон. *Электростанция ёпиқ-ку. Техник станцияни қулфлаб, ҳаммомга кетибди!* А. Қаххор, Картина.

**ҚУЛФЛАТМОҚ** қулфламоқ фл. орт. н.

**ҚУЛФЛАШМОҚ** қулфламоқ фл. бирг. н.

**ҚУЛФЛОҚ** Қулфлаб беркитилган, қулф солинган; қулфлоқлик, қулф. *Эшик қулфлоқ экан.*

**ҚУЛФЛОҚЛИК** айн. қулфлоқ. *Ҳозир магазин қулфлоқлик. || Қулфлоқлик уй.* — *Унинг ёрдами билан баъзи одамлар кўз очиб юмеунча бир-бирларига сирдош бўлиб қоладилар, қулфлоқлик оғизлар очилиб кетади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ҚУЛФУРУШ тар.** Қул олиб-сотиш билан шуғулланувчи одам, қулжаллоб.

**ҚУЛФЧИ** Қулф ясайдиган ёки қулф тузатадиган уста.

**ҚУЛЧА I I** қул с. кичр.-эркл. 2 Қул бола. *Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар, ўқлар кўкка кўтарилиб, турли масофага бориб тушар, қулчалар отилган ўқларни териб келиб, Ўрмонбекка берар эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҚУЛЧА II** рвш I айн. қулларча. *Қулча бош зейб таъзим қилиши.* 2 Қулга тенг келадиган даражада, қул даражасида. *Қал эшонга отдилар, уч пулча қадрим йўқмиди? Бир қулча қадрим йўқмиди?* «Фольклор».

**ҚУЛЧИЛИК I** Қулликдаги ҳақ-хуқуқсиз ҳаёт, ҳолат; қуллик. [Йўлчи:] *Қулчиликдан чиқмоқчи бўлсак, қурашга бел боғлашимиз керак.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 айн. қулдорлик 2. *Қулчилик жамияти.*

◆ **Қулчиликка келмоқ** с. т. совчи бўлиб келмоқ. [Аширмат:] *Қофияси*

*келганда айтақолай, мен остонанга қулчиликка келдим.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚУЛҚУЛ** с. т. Курка; курка товук.

**ҚУЛ-ҚУЛ тақл. с.** Оғзи тор идишдан суюқлик тушаётганда чиқадиган товуш ҳақида. *Қул-қул қилмоқ (этномоқ).*

**ҚУЛҚУЛЛАМОҚ** «Қул-қул» товуш чиқармоқ. *Графиндаги сув қулқуллаб қуйилар эди.* — *Дарё-адирлар манзараси, қулқуллаб оқаётган каналдан эсган ёқимли шабада ҳар қандай одамни ҳам маҳлиё қилар эди.* А. Қаххор, Кўшчинор. *Қори кафтини оғзига қўйиб, худди ағдарилган шишадай, қулқуллаб қулди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ҚУЛҚУЛЛАТМОҚ** қулқулламоқ фл. орт. н. *Қизил, тиниқ майни қулқуллатиб пиёлаларга қўйди.* Ойбек, Навоий.

**ҚУЛҚУЛУМ:** хавзи қулқулум 1) афсонавий тагсиз чуқур ховуз, қудуқ; 2) кўчма кўп овқат ейдиган, унча-мунчага тўймайдиган киши ёки хайвон; мечкай.

**ҚУЛҚ-ҚУЛҚ** айн. қул-қул. *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар, «қулқ-қулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ҚУЛҒУНА** Мохов касаллигининг оқадиган оғир тури. *Эҳтиёт бўлинг, бизнинг орамизда ифбатлар ўғриси, .. шайх авлоди — Омон Асилов қулғунадай писиб юрибди.* Ф. Гулом, Халқ ҳукмига ҳавола.

**ҚУМ I I** от Каттиқ минералларнинг, асосан кварцнинг сочилиувчан майда дончалари ва уларнинг тўплами. *Дар: қуми. Қум донаси. Қум уюми. Қум фильтри. || Қум ариқ.* — *Милтиқлар найзасининг қўрраси, ерга ётқизилган қум шамда йилтилар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Девордан ошиб қум босган кўчга тушган йўловчи беш минутда ўз оти олдига етди.* Айний, Қуллар. *Овчилар кўчма қумлар орасига қуриб, кўздан йўқолди.* А. Қаххор, Хотинлар. *Қум соат муайян миқдордаги қумнинг бир ёпиқ идишдан иккинчисига тор тешик орқали тушишига қараб вақтни ўлчовчи соат. Қум сувоқ тупроқ билан қум аралашмасидан қилинган сувоқ. | Қум билан қопланган ер, қумлоқ жой, қумзор. Ҳа демай, янги издан, янги бир дунё бўлиб, Кекса Аму сувлари қумларни кесиб оқар. Уйғун.*

2 сфт Қумга ўхшаш, майда. *Қум шакар.* — *Жўрапошиша бўйнидан қум марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шурт узиб, марваридларни кизизга тўқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУМ II:** ранги қум ўчди (ёки оқарди) диал. айн. ранги қув ўчди қ. қув III. *Света конвертни олиб очди, хатга кўз юритди-ю, ранги қум ўчиб кетди.*

В. Гофуров, Вафодор. *Келиннинг ранги қум оқариб кетган, дағ-дағ титрар эмиш.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Азмиддиннинг юзи қум оқарди, лаби пирпиради, кўялари алақандай сўнди.* Х. Гулом, Марғал.

**ҚУМАЛАМОҚ** с. т. Умбалоқ ошиб йиқилмоқ; юмаламоқ, думаламоқ.

**ҚУМАЛАНМОҚ** қумаламоқ фл. ўзл. н. айн. қумаламоқ.

**ҚУМАЛАТМОҚ** қумаламоқ фл. орт. н.

**ҚУМАЛОҚ I** Қўйнинг, туянинг юмалоқ-юмалоқ тезгай. *Қишининг дўпписи тор келганда қумалоқни «кақа» ҳисоблаб қолар эмиш!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бир қорин мойни бир қумалоқ чиртади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Умуман юмалоқ шаклдаги нарса. *Мани ишим фол кўриш .. Қумалоқ соламан мана шундоғ.* Ҳамза.

**ҚУМАНЖИР** Иссиқ мамлакатларда ўсадиган, сер эт пояли, тўп-тўп тиканаклардан иборат баргли ўсимлик; кактус.

**ҚУМЗОР** Қум билан қопланган жой; қумлоқ. *Қумзорларни сақсовулзорга айлантирмоқ.* — *Эреши аком ҳам подасини тўплаб қумзордан пастроқда ва шамолнинг эшии йўлидан панароқда бўлган рўд қирғоғига суриб туширди.* Айний, Эсдалиқлар.

**ҚУМЛАМОҚ I** Қир, доғ ёки зангни кетказиш учун қум билан ишқаламоқ; қум билан тозалamoқ. *Пиёлани қумлаб ювмоқ.* — *Мулла Обид зўр кетмонни қумлаб, ғалтакни суваб бостирмага киргизиб қўйишга мажбур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Қумга чуқмоқ, ботмоқ, қумилмоқ; қум билан қопланмоқ. *Қайиқ қумлаб қолиди.*

3 Тупроққа қум аралаштирмоқ.

4 Қумзордан бормоқ, юрмоқ, ўтмоқ. *Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қумлаб кел эмиш-да, бир ойгина турмай кет эмиш!* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 *Кўчма с. т.* Сирка билан қопланмоқ. *Боши қумлаб кетибди.*

**ҚУМЛАТМОҚ** қумламоқ 1, 2 фл. орт. н.

**ҚУМЛИ I** Ичида қуми бўлган. *Қумли қол. | Таркибида қуми бор. Қумли тупроқ.*

2 Қум билан қопланган, қумдан ташкил топган. *Қумли сахро.*

**ҚУМЛИК** Қум босган, қум билан қопланган жой; қумлоқ. *Қичкина дарёлар Амуга етмасдан қумликларда ғойиб бўлади.* — *Икки меҳмон яна ота миниб қумликка қараб кетишиди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚУМЛОҚ I** Қум босган, қум билан қопланган жой; қумлик. *Қумлоққа ботмоқ. || Қумлоқ чўл.* — *Ҳаводан ёғайтган қум бир нафасда ерни қумлоққа айлантирди.* Айний, Эсдалиқлар. *Ажабо, ҳеч гийё кўрмаган Қумлоқларда гул етишибди.* Э. Раҳим.

2 Қум аралашган, қуми бор; қумли.

Кумлоқ тупроқлар қовушмайди, балки намлигида чочилиб туради. М. Баходиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**ҚУМОЙ** Йиртқич қушлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, ўлмитиклар билан овқатландиган йиртқич қуш.

**ҚУМОҚ** Кум аралашиб донатор бўлиб қолган; қумли. *Қумоқ ер.*

**ҚУМОҚ-ҚУМОҚ** Дурда боғлаб, дурда каби майда, юмалоқ доналарга ажралиб турадиган; донатор. *Қумоқ-қумоқ асал. Қумоқ-қумоқ тупроқ.* — Тўқай ерларига бир-икки йил иоли экамиз, шўрини роса юшиб ташлагач, кузда ағдариб ҳайдатдирамиз, кўк-ламда қарабсизки, тупроғи қумоқ-қумоқ бўлиб қолади. С. Маҳкамов, Дала тонги.

**ҚУМПИЁЗ** Лолагуллилар оиласига мансуб, кўп йиллик пиёзли чўл ўсимлиги.

**ҚУМРИ** [а] I Каптарлар туркумига мансуб, қафасда ҳам урчидиган сайроқи қуш.

2 Кумри (*хотин-қизлар исми*).

**ҚУМРОН** ғалат. Қамрон.

**ҚУМСАБИЗ** Соябонгуллиларга мансуб, илдиз меваси ейишли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

**ҚУМСАМОҚ** ғалат. Қўсмамоқ.

**ҚУМСАҒИЗ** Мураккабгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик каучукли ўсимлик.

**ҚУМТОШ** Кум зарраларининг ўзаро ёпишиб, бирикиб қоғишидан ҳосил бўлган харсангсимон тоғ жинси. *Қалтаминор усталари қаттиқ кул ране кумтошлардан ёргучоқлар .. ясаганлар.* И. Жабборов, Қўхна харобалар сирри. Бу туб кумтош устини шамол олиб келган қум қолаб ётади. П. Ғуломов, Зарафшон этаклариди.

**ҚУМУРСҚА** Майда чумоли. Бир қумурсқа бир дона донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб унга ёрдам беради. Айний, Қуллар. | Умуман хар қандай чумоли. Баҳор ўзи бошқача фасл-да! Ереа офтоб тегизи билан қумурсқа инининг ёнида тупроқ уюми пайдо бўлади. А. Ҳамдам, Ҳамал кирди.

**ҚУМУРСҚАБЕЛ** кам қўлл. Бели ингичка, чумоли бел.

**ҚУМУРСҚАДАЙ**, =дек I Майда, чумолидай кичик. *Қумурсқаддай майда куртлар кун сайин бўй чўза бошлади.* А. Мираҳмедов, Ут юраклар.

2 Жуда кўп, ғужғон ўйнаган, қайнаган. *Кўчаларда одам қумурсқаддай.* **ҚУМ-ҚУМ** Ҳисобига етиб бўлмай-диган; сон-саноксиз, беҳисоб.

**ҚУМ-ҚУТ:** ранги кум-қут ўчди айн. ранги қув ўчди (ёки оқарди) қ. қув III. *Ранги қум-қут ўчган Чигатой тиз букиб отасидан кечирим сўради.* М. Осим, Утзор.

**ҚУМҒОН** Чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясаладиган кўзача шаклидаги идиш; катта чойдиз. *Мис қумғон. Чўян қумғон.* — Учоқнинг оғ-

зида ўтга қўмилган қора қумғон вақирлаб қайнайди. С. Анорбоев, Хотима.

**ҚУНДУЗ I** Куруқдан ташқари сувда яшашга ҳам яхши мослашган, юқори сифатли мўйнали йиртқич сүтэмизувчи хайвон. **Қундуз қош ёки қоши қундуз I** чиройли, ўсиқ қора қош. *Шаҳло кўзлар, ўсиқ жингала киприклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) шундай қошли қиз ёки йигит. *Қоши қундуз, тоқайсага кўксим яра этурсан.* Ё. Мирза. | Шу хайвоннинг териси, мўйнаси. *Бир телпаклик қундуз.* || *Дўконда қундуз телпак кийган боланинг боши кўринди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 с. т. Ёқага ёки телпак жиягига тутилган ўсиқ юнгли хар қандай мўйна. *Қундузи қалин бўрқ.* — *Лайлак қор уриб тураар ёди.* Мунисхон ёқасининг қундузи билан бўйинини ўраб, .. зинанинг охириги пиллапасида тўхтаб қолди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Қундуз (*хотин-қизлар исми*).

**ҚУНДУЗИ** Қундуз мўйнасидан тикилган. *Қундузи телпак.*

**ҚУНИШМОҚ** Совуқдан, касаллик ёки қўрқувдан бўйинини ичига тортмоқ; жунжимоқ, ғужанак бўлмоқ. *Оппоқ қор .. Қош қорайганда юпун кийинган одалар қунишиб, дилдирашиб Бақақурилоқ майдонидеги қизил чойхонага томон кела бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчирор. *Ҳасан сўфи ана шундай савол берилишини олдиндан билиб, қунишбо ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУНТ** [а] Бирор ишни бажариш, охирига етказиш учун астойдил тиришиб сабр-тоқат билан ҳаракат қила олиш қобилияти; тоқат, ҳафсала. *Қунт билан ишламоқ. Қунт билан ўрганмоқ.* — *Уч-тўрт кундаёқ Тожибойнинг ўқишга қунти йўқ, зеҳни тўтмоқ ўқувчилардан экани билиниб қолди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Уста ҳам ихлосманд шогирдининг музыкага бўлган ҳавасини, қунтини сўндирмади.* Я. Тўхтабоев, Соз мафтун. *Мадумар Ғуломжоннинг далилларини қунт билан эшитди, қаттиқ-қуруқ гапирмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қунт қилмоқ (ёки этмоқ) I** астойдил ҳаракат қилмоқ, ҳафсала қилмоқ, уринмоқ, киришмоқ. *Қунт қилсак, бу ишни уч кунда битирамиз;* 2) қатъий қарор қабул қилмоқ, жазм қилмоқ.

**ҚУНТЛИ** Қунт, астойдиллик билан ишлай оладиган, ҳафсалали, серхафсала, тиришқоқ. *Қунтли ишқибоз одам.* — *Балки Маширабаеи ўзига хос хислатлар уни калавачи бўлишга даъват этгандир? Ахир, у биринчидан саботли, иккинчидан — талантли, учинчидан — қунтли.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ҚУНТСИЗ** Кунти, ҳафсаласи йўқ; қунт астойдиллик билан ишлай олмай-диган; беҳафсала.

**ҚУП(ПА)-ҚУРУҚ I** Мутлақо қуруқ, жуда қуруқ, қоқ қуруқ. *Қуппа-қуруқ ўтин.* || *Қуз бўлса ҳам кўчалар қуппа-қуруқ.* — *Ёздагидай қуп-қуруқ кўчаларнинг чанги гирдоб уриб одамнинг кўзини очирмас.* Ҳ. Назир, Эътиқол.

2 *Кўйма* Ҳеч нарса-сиз, ҳеч нарса-си йўқ, яп-яланғоч; шип-шийдам. *Қуппа-қуруқ уй. Қуппа-қуруқ дастурхон.* — *Наҳотки қуппа-қуруқ жой бўлса? — деди кимдир ваҳимали ингичка товуш билан.* А. Мухтор, Туғилиш.

3 *Кўйма* Қўлида, ёнида ҳеч нарса-си йўқ. *Қўлим қуппа-қуруқ. Чўнтагим қуппа-қуруқ.* — [Муларўзи:] *Ундан сўнг айтинг, назрини дурустроққина қилиб берсин. Бу нима? Уч сафардан буён қуппа-қуруқ келади.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Мен икки қўлимни бурнимга тиқиб, шаҳарга қуп-қуруқ кириб келдим.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ҚУР I I** Иш-ҳаракатнинг такрорланиш сони; марта, дафта, топқир. *Сен кетганингдан кейин бир-икки қур хўжайиннинг оиналари меҳмон бўлиб келишди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [Ғуломжон] *ҳовлини яна бир қур кўздан кечириб, пастга тушиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир қур дала бўйлаб борайтган паровоз кўринди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Давра; партия, гал (баъзи ўйнарларда).

**ҚУР II** Товуқсимонлар туркумига мансуб, ўрмонда яшайдиган, ов қилинадиган қуш.

**ҚУР III** айн. **курай.** *Чўпонлар қур-ҳайтлаб қўйни ҳайдаган.* «Алломиш».

**ҚУР IV** тақл. с. Бақанинг, турнанинг сайрашига ўхшаш товушлар ҳақида.

**ҚУР V** Давра; давра ўртасидаги жой, майдон. *Қураш қилиб енгенга йиққанлар, Полвон бўлиб қурга чиққанлар.* Э. Раҳим. *Чилбир чўлиса, Ойна кўлига томошабин тўлиб раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтирди.* «Алломиш».

**ҚУРАЙ** унд. с. Қўйларни ҳайдаш ёки чақиритиш учун ишлатилади.

**ҚУРАЙЛАМОҚ** «Қурай, қурай» деб қўйларни ҳайдамоқ.

**ҚУРАЙЛАШМОҚ** *курайламоқ* фл. бирг. н. *Ярим кечада ой кўтарилгандан кейин, олдинма-кетин хуштак чалиниб, қурай-қурайлашиб, Кўктеракка қараб кета бошладик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚУРАЛАЙ** Кийик ёки охуларнинг ёш боласи. **Қуралай кўз I** чиройли катта қора кўз, оху кўз. *Ҳаёт қуралай кўзларини қақнатиб йигитга бир қулиб боқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) шундай кўзли киши. *Умиримни егил каби қўлингга тутдим, Эй, умр йўлдошим, қуралай кўзим!* Шухрат.

**ҚУРАЛМОҚ** *курамоқ* фл. *мажҳ. н.* *Айвон ўралди, Сўзлар қуралди, Қуёв*

сўралди, Ҳаққи-маҳри ҳам айтилди қолмай Ғ. Ғулом.

**ҚУРАМА** I Турли қисм ёки элементлардан ташкил топган, аралаш-қуралаш. *Қурама империя.* — [Пол-ван] маҳоркани бежаб ўраб, сал эшитилари товуш билан қурама ашуллаларни ғинғиллай бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас. Шаҳар аҳолиси қурама. Унда ҳар хил миллатларга мансуб кишилар — какерлар, ҳиндлар, мелегалар, томиллар яшайди. Э. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. | Улаб-кураб қилинган; қуроқ. *Қурама кўрна.* — У қурама кийимдаги кишига норози кўз билан қарарди. В. Ғофуров, Вафодор.

**ҚУРАМА** II Турли қипчоқ қабила-ларининг ўзаро аралашуви, чапишуви натижасида юзага келган, Ўзбекистоннинг Чирчиқ ва Охангарон водийларида яшовчи ўзбек элати. *Қурама аёл. Ўзбек тилининг қурама шеваси.* | Шу элатга мансуб киши.

**ҚУРАМОҚ** Турли қисм ёки элементларни бир-бирга улаб, қўшиб бирор бутунлик, бутун нарса ҳосил қилмоқ. *Кўрна қурамоқ.* — Почалир вафот қилди. Дўстлари йиғлаб-йиғлаб уни ювдилар. Кафанга пули йўқ. Қўжнор эзилдиган халталарни йиғиб-кураб кафан тикдилар. Фитрат, Қиё-мат.

**ҚУРБ** [a] Куч, қувват, мадор. *Туришига ҳам қурби йўқ.* — Зўрининг олдида амалдорнинг ҳам ҳеч нима қурби бўлмас экан. Алпомиш келиб, юрт яхши бўп қолди. «Алпомиш». **Қурби етади** (ёки келади) 1) кучи, қуввати етади, мадори келади. *Ғуломжон дарчани очишга ҳам, юришига ҳам қурби етмай, турган ерида туриб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) кўчма имконияти етади, қўлидан келади. *Домланинг тағрифича улар ота-она тарбиясини кўрган, теги-жойи бор, эшигига келган меҳмон олдида дастурхон ёзишга, ё бировга совға-салом қилишга қурби келадиган «тузук» одамларнинг болалари эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҚУРБАҚА** Сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жониворлар туркумининг бир тури; оёқлари сакраб юриш учун мосланган. *Қурбақанинг сайраши.* — Фарида қурбақа сузиш қилиб қирғоққа қараб борар экан, сув пуркаб қулди. П. Қодиров, Уч илди.

◆ **Қурбақа(нинг) салласи** қ. салла. **ҚУРБОН** [a] I дин. Худо йўлида қурбонликка сўйилган ёки сўйиладиган жонлик. *Қурбон сўйиш. Қурбон ойн айн. зулҳижжа. Қурбон ҳайити қ. ҳайит 1.*

2 *кўчма* Бирор эзгу иш, эзгу мақсад йўлида ёки севиқли кимса, нарса ва ш. к. учун қурашда ҳалок бўлган, жон фидо қилган киши. *Озодлик қурбони. Уруш қурбонлари.* — Революция қурбонлари митинг бўлган боққа кўмилди ва шу кундан эътиборан бу ерга «Биродарлар мазори» деб ном берилди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Шу ерда ё

қурбон бўламиз, ёки Москвани сақлаб қоламиз. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Табиий офат, фалокат, кўн-гилсиз ҳодиса ва ш. к. туфайли ҳалок бўлган ёки катта зарар кўрган, қаттиқ азият чеккан киши. *Енғин қурбони. Зилзила қурбонлари.* | Қимсаларнинг қилмиши, кирдиқори манфаати ва ш. к. туфайли ҳалок бўлган ёки катта зарар кўрган, қаттиқ азият чеккан киши. *Жаҳолат қурбони. Урф-одатлар қурбони.* — Фарида Зокирни гуноҳсиз бир қурбон деб билиб, қаттиқ ачинди. П. Қодиров, Уч илди. [Ғуломжон:] Бўлиб ўтган мана шу гапларнинг ўзи туҳматчилар қурбони бўлиб турганимни исбот қилишга етиб ортади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Бирор мақсадга эришиш йўлида, қурашда ва ш. к.да қўрилган зарар, талафот. *Душман муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган станцияда жуда маҳкам ўрнашган ва ҳар қандай қурбон бадалига бўлса-да, қўлдан чиқармасликка тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кўп жангларга кирдик, кўп қурбонлар бердик, кўп зафарлар қозондик.* Ҳ. Ғулом, Маъна.

5 **Қурбон** (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ҚУРБОНЛИК** дин. 1 Қурбон ҳайитида худо йўлига сўйилган ёки сўйиладиган жонлик. [Ҳўшрўй:] *Итдан бўлган қурбонликка ярамас!* Болаларингдан умидини узеан бўлсанг, итваччаларингни бу уйда қолдир! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қурбон ҳайити кунларида худо йўлига жонлик сўйиб халққа бериладиган зиёфат. *Эшон қўй сўйиб, қурбонлик қилди, кўп одамлар келди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Афандим, ким қурбонликка қўй сўйса, қиёмат кунни қил кўприкдан ўша қўйни миниб ўтар эмиш, шу ростми?* «Латифалар».

**ҚУРГУР** айн. қурғур.

**ҚУРДИРМОҚ** қурмоқ фл. орт. н. *Уй қурдирмоқ. Йўл қурдирмоқ. Уйга телефон қурдирмоқ.*

**ҚУРДОШ** Ёши тенг бўлган; тенгдош, тенгқур. *Қурдошларим орасида, ўз жанговар оиламда эканимни гўё ҳозиргина ҳис этиб, ногоҳ кучга тўлгандай бўлдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Юртимиз тинч, ободон тўйинчилик баҳузур, Қурдошлар гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз.* Ғ. Ғулом.

**ҚУРДУМ:** қурдум дарё фольк. тубсиз, ютоқи дарё; денгиз. *Ҳой, қовоқни қуртиндинг-ку, қурдум дарёмисан!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ҚУРЕ(Й)** айн. қурай.

**ҚУРЕЛАМОҚ** айн. қурайламоқ. *Осмони заминда қайчиға ўхшаб турна қарвони қўй ҳайдоган чўпондек қурелаб ўтяпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ҚУРИЛДОҚ** Қурилайдиган, қуриллаб сайрайдиган (бақа ҳақида).

**ҚУРИЛИШ** I қурилмоқ фл. иш оти. *Бу биринчи навбатда қурилиши*

керак бўлган ўн икки ўйни мўлжалдан бурунроқ битказишга имкон берди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

2 Бино қилиш, бунёд қилиш, қуриш ва у билан боғлиқ бўлган ишлар. *Капитал қурилиши. Уй-жой қурилиши. Қурилиш ишлари. Қурилиш материаллари. Қурилиш трести. Қурилиш участкаси.* — *Уруш чиқиши билан қурилиш бир ой чамаси тўхтаб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қуриш ишлари олиб борилаётган жой, қурилаётган объект. *Қурилишда ишламоқ.* — *У кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади, ўз лойиҳасининг бажарилишини текшираётган архитектор каби синчиқлаб қарайди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҚУРИЛЛАМОҚ** I «Қур-қур» товуш чиқармоқ, «қур-қур» товуш чиқариб сайрамоқ. *Ироқ-ироқлардан бақаларнинг қуриллаши, чўпон итларининг улиши эшитилади.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 «Қулдур-қулдур» овоз чиқармоқ; қулдурамоқ, қулқулламоқ. *Ичкари қоронғи, говур. Одам кўп. Қаердадир чақалоқ инчалмоқда. Қаердадир чилим қуриллайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

**ҚУРИЛЛАТМОҚ** қурилламоқ 2 фл. орт. н.— *Сизга қойилман,— деди Турдимат чўтал нашали чилимни қуриллатиб тортгач.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**ҚУРИЛЛАШМОҚ** қурилламоқ I фл. бирг. н. *Бақалар тинимсиз қуриллашади. Турналар тепамиздан қуриллашиб учиб ўтди.*

**ҚУРИЛМА** Бирор мақсад учун хизмат қиладиган техник мослама ёки иншоот; установка. *Иситиш қурилмаси. Электрон қурилмаси.*

**ҚУРИЛМОҚ** қурмоқ фл. мажҳ. н. *Бино бу йил қурилди. Қолхозда янги йўл қурилмоқда. Уйга эшик, деразалар қурилади. Телефон қурилди.* — *Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янтоқ ғарамни ёнига қурилган дошқозон олдида .. бир хотин буларни кўриб ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. *Бўлмаса, қилайлик то саҳаргача ўйин.— Қани, айтинг, Жамшиднинг базми қурилсин.* У. Исмоилов, Рустам.

**ҚУРИМОҚ** I Суви, нами қочиб, сувини, намини йўқотиб қуруқ ҳолга келмоқ, қуруқ бўлмоқ. *Ҳаво очилиб, ерлар қуриди. Ёзда кир тез қуриди. Нам нахталар сушиллада қуримоқда.* — *Ғуломжонлар .. офтобда қуриб, тахта оралари катта очилиб қолган бир табақали эшикни тақиллатишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўлтиғидан қоғоза ўралган, қуриб толқонланган носини олиб, тил остига отди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Сувсираб, чанбақ ёки бирор офатдан сўлимоқ, қовжирмоқ; сўлиб, қовжираб ривожланишдан тўхтамоқ, но-

буд бўлмоқ (ўсимлик ҳақида). *Қуриган гул. Майсалар сувсизликдан қуриди. Яшин урган сада қурий бошлади. Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол.

■ [Йўлчи] экини қуриб қақраган камбағал дехқонларга дўқ қилиб, галва кўтаришидан нафратланар эди. Ойбек, Қутлуг қон. *Мажнунтолнинг қуриб тушган шохлари ҳовуз бўйида ивирсиб ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.* Сувсизликдан қуруқшамоқ, қақрамоқ (лаб ёки томоқ ҳақида). *Салқинроқ жойга етиб олайлик, томоғим қуриб қолди.* ■ *Қуриб бораётган лабларини алайдилар. Ойдин, Бечора.*

3 Улиб, ишламайдиған бўлиб қолмоқ (тана аъзолари ҳақида).

4 Тугамоқ, битмоқ, тамом бўлмоқ, йўқ бўлмоқ. *Тинкам қуриб кетяпти.* ■ *Егин бўлмаган, бугдой бўлмади: халқ очликка тушиди, Қашқадарё суви қуриди.* Айний, Қуллар. *Оҳ тортсам қурийдим танимда дармон.* «Ширин билан Шакар».

◆ Илги қуримоқ қ. илик. *Қуриб қолибдими (ёки қолганми)?, қуриб кетибдими (ёки кетганми)?* бошқаси йўқми, топилмайдими, топилмай қолдими? [Хотин:] *Худо кўтарсан сен меажинни! Иккита болам бор? Бўйдоқ йиғит қуриб кетганмиди!!* А. Қаҳҳор, Майнз емаган хотин. *Отам билан онамнинг ризоликлари учун шундан бошқа сабаб қуриб қолганига нима дейишимни ҳам билмайман.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Шўри қуриди қ. шўр.* *Қурсин ёки қуриб кетсин қарғ. ўлсин, йўқ бўлсин.* ■ *Менга тенгқур бўлолмайсан, Кўнглигинанг қуриб кетсин.* Пўлкан. *Қуриб кетегур шу ўтиннинг тутунини бирам аччиқ эканки!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҚУРИТГИЧ Қурирадиган, намини қочирадиган қурилма, асбоб, аппарат; сушылка. *Пахта қуригичлари.* || *Автоматик қуригич шафлар.*

ҚУРИТЛМОҚ қуригич фл. мажх. н. *Қуригилган пахта.* ■ [Темир:] *Уларни [босмачиларни] биз енгдик, бироқ уларнинг илдизлари ҳали батамом қуригилган эмас!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ҚУРИТМОҚ қуримоқ фл. орт. н. *Қир қуригич. Саратон қуёши адирлардаги ўт-ўланларни қуригичди.* ■ [Бектемир] *гулхонни авжлантириб, кийимларини қуригичди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Босмачилар бизнинг ошамизни қуригичди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Мўғуллар баркашини қуригичди, боғ ичига кириб кетишиди.* М. Осим, Утрор. *Андижон зилзиласи .. Катта ариқнинг сувини қуригичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. «Наво»нинг сەҳрли «савети» *Отабекнинг кўз ёшларини қуригичди-да, бир енгиллик бағишлади.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Босган (ёки кўнган) ерини қуригичмоқ борган ерида ҳеч нарса қолдирмай йўқ қилмоқ, еб-ичиб, талаб битирмоқ.* *Бундан буён боғимга қадим қўймаг, сиз бойўғлидан ҳам баптар нарсасиз!*

*Кўнган ерингизни қуригичмоқ.* Мирмуҳсин, Чиникиш.

◆ *Қадамни қуригичмоқ (ёки қирқмоқ)* қайтиб келмайдиган, қадам босмайдиган қилиб юбормоқ, йўқотмоқ. — *Тожибойни ишга солдим. У сенинг ўчингни олишга киришди — қудо хоҳласа, бир ердан муаллимнинг қадамини қуригичмоқди.* — *деди вақти хуш Олахўжа маҳсум. П. Турсун, Уқитувчи.*

ҚУРИШ I қурмоқ фл. иш оти. *Уй қуриш. План қуриш. Суҳбат қуриш. Мақсадимиз коммунизм қуришдир.*

ҚУРИШ II қуримоқ фл. иш оти. *Эру хотиннинг уриши — дока рўмоннинг қуриши.* Мақол.

ҚУРИШМОҚ қурмоқ фл. бирг. н. ҚУРМА тар. *Дехқонлардан олинган ҳар хил ғайриқонуний олиқ-солиқ, ўлпон.*

ҚУРМАГУР қ. қурмагур. ҚУРМАҚОРЛИК кам қўлл. *Бино, уй-жой қуриш ишлари; бинокорлик. [Раис Уктамга:] Ҳосилни даладан йиғиб олайлик. Кейин қаттиқ қиришмиз. Лекин сен қурмақорликни жуда яхши кўрар экансан.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚУРМАГУР Улмагур, тушмагур, бор бўлгур, барака топгур (енгил койиш). *Қурмагур, яхши йиғит. Еш тракторчи бўлса ҳам иши пишиқ, жонқуяр универсалчи. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. Узиям .., қурмагур, жуда ажойиб, келишган йиғит экан-да.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ҚУРМОҚ I Турли материаллардан ва бўлақлардан йиғиб, бириктириб тикламоқ, бунёд этмоқ, барпо қилмоқ, солмоқ. *Бино қурмоқ. Завод қурмоқ. Кўприк қурмоқ. Пойдевор қурмоқ. Темир йўл қурмоқ. Шаҳар қурмоқ.* ■ *Дўқонни қурганимизга энди ўн беш кунча бўлиб қолди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ин (ёки уя) қурмоқ* 1) уя солмоқ; 2) кўчма суқилиб маҳкам ўрнашиб олмақ. *Унинг ҳаромнамалари ҳали кўп маҳкамаларда ин қурганлар.* Ойбек, Навоий. | *Тупроқни, ерни қазиб ёки ўйиб бирор иншоот яратмоқ. Қанал қурмоқ. Сув омбори қурмоқ. Ҳовуз қурмоқ.*

2 Урнатмоқ; ўтказмоқ. *Телефон қурмоқ. Уйга эшик қурмоқ.* ■ *Сатторқул акага уйини янги турмуш қилди; оқлатди, дарчанинг ўрнига дераза қурди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Чизмоқ, ясамоқ. *Пирамида ёйилмасини қурмоқ.*

4 Ташкил этмоқ, барпо қилмоқ, асосламоқ, яратмоқ, тузмоқ. *Янги давлат қурмоқ.* ■ *Ленин Совет ҳокимияти қурағимиз, деб ҳаммани қурашга чақиряпти.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Агар доҳий Ленин бизга бундай ҳаёт қуриб бермаса, ўша бойларнинг оёғи остида эзилб, йўқ бўлиб кетишидан мени қутқазса оладиган куч бу дунёда йўқ эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Турмуш қурмоқ* уйланмоқ (хотин олмақ ёки эрга тегмоқ). *Бузувчи кунда кўрамазми, ўртоқлар, олтмиш саккизга*

*кирган Қурбон ота турмуш қурмоқда.* А. Қаҳҳор, Тўй.

5 Ташкил қилмоқ, ўтказмоқ. *Зериксангиз, шохна зибраплар қуригич, базмлар ясанг, ихтиёр сизда.* Ойбек, Улуғ йўл. *Тошкент ашрафлари бир мажлис қуриб, ўтиришга Нормуҳаммад қушбегини ҳам чақирдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бадиуззамон бекларини, ишбилармон йиғитларини йиғиб, жанга ҳозирланиш тўғрисида кенгаш қурди.* Ойбек, Навоий. *Саид Жалолхон .. у билан қўш кечалари хонақоҳда узок-узок суҳбат қурадиған бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

6 Маълум тартибда тизилмоқ, тизилишмоқ. *Саф қурмоқ.* ■ *Саҳнда ўттиз нафарча эркак давра қуриб олиб зикр тушмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Чордана қурмоқ қ. чордана. ҚУРОВ Яйловдаги йилқилар учун қурилгай ёзлик отхона.

ҚУРОЛ I Ҳарбий яроғ, аслаҳа; жанг, уруш асбоби. *Отуя қуроллари (миттиқ, тўп, пистолет ва ш. к.). Сувуқ қуроллар (қилич, халжар, пичоқ ва ш. к.). Ядро қуроли.* ■ *Полковник унинг пулемётини кўздан кечиргач, кулимсираб: — Қуролни яхши асрар экансиз,— деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қуроллардан бирданга баб-баравар ўқ уздилар.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 Бирор ишда фойдаланиладиган, уни осонлаштирадиган ҳар қандай асбоб, мослама, қурилма, механизм, машина ва ш. к. *Ёзув қуроллари. Уқув қуроллари. Қўразмали қуроллар. Иш қуролнинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.* Мақол. ■ *Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғлариёна эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 Кўчма Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган ҳар қандай восита; дастак, омил. *Тил кишиларнинг алоқа қуролдир. Жаҳл — жоқилнинг қуроли.* Мақол.

ҚУРОЛ-АСЛАҲА Қурол ва аслаҳа(лар), қурол-яроғлар.

ҚУРОЛБАРДОР I Урта асрларда: лашкарбошининг ёки рицарнинг қуролларини кўтариб юрувчи жангчи. | Умуман қурол кўтарган, қуролланган жангчи.

2 Кўчма салб. Ўз фикри, ақидаси бўлмаган, ўзгаларнинг фикрини, ақидасини кўтариб юрувчи ва уни тарғиб қилувчи маддох. *Империализмнинг қуролбардорлари. «Совет урушнинг гоявий қуролбардорлари.* Буржуа идеололари ва уларнига қуролбардорлари.

ҚУРОЛДОШ Бир жанговар қисмда, бир сафда хизмат қилган ёки қиладиган кишиларнинг бири (бошқаларига нисбатан). *Қуролдош дўстлар. Қуролдошлар учрашув.* ■ *Зебохон*



нинг қуролдошлари уни моҳир мерған сифатида ҳам билишарди. Х. Умаров, Хуш кўрдиқ, Зебохон.— Хусаинов! Хусаинов! .. — деди у [Сариқов] ёнидаги қуролдошига.— Оёғим, негадир кесакдай бўлиб қолади. Н. Сафаров, Дон. Қудратнинг қуролдош ўртоқлари шошиб-пишиб кийинмоқда эдилар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ҚУРОЛЛАНМОҚ I** Жанг, уруш қилиш учун керак бўладиган қурол-яроғлар билан таъминланмоқ. *Зўр бериб қуролланиш.* — Қуролланган етти партизан оғир қадамлар ташлаб хилват ва сўқмоқ йўллардан юриб, Мостовойнинг отрядига бормоқда. А. Раҳмат, Соқов бола. Танклар, самолётлар, турли қуроллар билан тиш-тирноғигача қуролланган душман ҳадеб Москвага интилар эди. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Иш қуроли, воситалари билан таъминланмоқ. *Матқовул билан яна бир киши нарироқда замбил, кетмон, болға билан қуролланиб, тош-шағал таширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қуролланмаган кўз билан кўзатганда юлдузларнинг бир-бирига нисбатан ўричлари ўзгармай қола беради. «Астрономия».

3 Кўчма Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган воситаларни эгалламоқ, библиб олмоқ, ўрганмоқ. *Марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланмоқ.*

**ҚУРОЛЛАНТИРИЛМОҚ** қуроллан-тирмоқ *фл. мажх. н.* Янги техника билан қуроллантирилган корхоналар. *Пухта билимлар билан қуроллантирилган ёш мутахассислар.*

**ҚУРОЛЛАНТИРМОҚ** қуролланмоқ *фл. орт. н.* Армияни қуроллантирмоқ. *Қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан қуроллантирмоқ.* — *Халқ ўртасидан йигитлар тўплаб олсак ва бу кишиларни яроқ билан қуроллантирсак.* С. Аҳмад, Оқпадар.

**ҚУРОЛЛИ I** Уруш, жанг қурол-яроғлари билан таъминланган; қурол тутган, таққан, кўтарган; қуролланган. *Қуролли киши. Қуролли отлиқлар. Қуролли кучлар* ҳарбий қисмлар, армия. СССР *Қуролли Кучлари.*

2 Қурол кучи билан амалга оширилган ёки ошириладиган. *Қуролли кўёғолон, Қуролли тўқнашулар.*

**ҚУРОЛСИЗ** Қуролланмаган, қуроли йўқ. *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўқиб, зўрлик билан исённи бос-тирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚУРОЛСИЗЛАНМОҚ I** Қуролни ташламоқ.

2 Қуролли кучларнинг қурол-яроғларини чекламоқ, қисман ёки батамом йўқотмоқ.

**ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИЛМОҚ** қуролсизлантирмоқ *фл. мажх. н.* Душман қуролсизлантирилди.

**ҚУРОЛСИЗЛАНТИРМОҚ** қуролсизланмоқ *фл. орт. н.*

**ҚУРОЛХОНА** Ҳарбий қурол-аслаҳа

ва керак яроғлар сақланадиган бино, ҳарбий омбор; кўрхона, арсенал.

**ҚУРОЛ-ЯРОҒ** Қурол ва яроғ; қурол ва аслаҳалар. *Максим Максимович билан Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташланган бир хужрага олиб киришди.* С. Аҳмад, Хукм. *Қурол-яроғ, ўқ-дориларни олганимиздан кейин қомбат батальонни сафга тизиб кўздан кечирди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

**ҚУРОҚ I I** Турли ранг ва шаклдаги газмол парчаларидан улаб-қураб ҳосил қилинган нарса. *Бир кўрнали қуроқ. Қуроқ тикмоқ.* || *Қуроқ дастурхон. Қуроқ ёстиқ.* — *Раис пешанасидаги оқиб тушайтган терни артиб, қуроқ билан безатилган ёстиққа ёнбошлаб, юзини шабадага бурди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қирларда қорнинг чоки сўкиланган, ҳамма ёқ ола-була қуроқ кўрпага ўхшайди.* Ш. Ғуломов, Инсон кўли гул. *Усти-боши юнунди роса, Бор беағи бир қуроқ чопон.* Ҳ. Пўлат.

2 Улаб-қураб шундай нарса ҳосил қилиш учун яроқли мато парчаси. *Бир қатор атторлар эски қоп, яғир шолча, йиртки бўз парчалардан, қизил, оқ, кўк, яшил лахтақ қуроқлардан турли-туман соябонлар ясаб, молларни бевосита ернинг ўзига уйиб қўйибдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. || *Уртага новча қизикчи чиқади. Чопони қизил, кўк, яшил, сариқ қуроқ латталардан ямалган.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 *сфт, кўчма* Майда бўлақлардан иборат, бўлтак-сўлтак, лахтақ-лухтақ, парча-пурча. *Қуроқ ерлар.* || *Чўлдан қуроқ ҳам қолдирмабсиз, ота. Ободлик кишининг меҳрини тортиб, ўзига сеҳрлаб қўяди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

**ҚУРОҚ II** Қиёқнинг қуруқликда ўсадиган бир тури. *Чўлдан қуроқ еб тўйган Елини сўндан қаппайган Анави чексиз сигирлар Овул ёққа йўл олган.* Ғ. Ғулом.

**ҚУРОҚ III** Катта варрак. *Қуроқ ясамоқ. Қуроқ учирмоқ.*

**ҚУРОҚЗОР** Нуқул қуроқ ўт билан қопланган ер, жўк, майдон. *Тонг олдидан позицияга чиқиб, йўл четидаги қуроқзорга занжир-занжир бўлиб таралдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚУРО** [а] Қори; қорилар. *Илгарилари ундан юз ўйирган қори-ю қурролар яна уни ўз сафларига оладилар.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ҚУРСОҚ** Ошқозон, қорин. *Қурсоғи оч. Қурсоғи тўйди.* — *Уруш ҳамма-нинг тинқасини қуритган, қурсоғини бўшатган бўлса, уларнинг [бойларнинг] бошидан зар сочиб, қурсоқларини яна қаппайтирган.* Ойбек, Кутлуг қон.

◆ *Қурсоғи қайнади жажли чиқди, аччиги келди, зардаси қайнади.*

**ҚУРТ I** Узун танасини эгиб-ёзиб ёки жуда кўп оёқлари воситасида суд-ралиб юрадиган умуртқасиз майда жонивор. *Кўк қурт.*

2 Баъзи ҳашаротлар, майда орга-

низмлар номи таркибига киради, мас. *шиллик қурт, эшак қурт.*

3 Баъзи ҳашаротларнинг туҳумидан юзага келадиган ғумбак. *Олма қурти.* — *Майиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам, пок-покиза уриб кетишибди, азаматлар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Асосан тут барги билан боқиладиган, етилиб пилла ўрайдиган шундай ғумбак. *Қурт ғумбақ. Қурт тутмоқ.* — *Утган йил баҳорда қуртга баре кесгани тугта чиқдим.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ҚУРТАВА** Қурт ёки сузмани қайнаган сувда эзиб тайёрланган айрондан қуюқ овқат. [Моҳира буви:] *Ҳой, болам Қўчқоржон, болохонага чиқиб бир коса қурт олиб туш. Бетобга жиндай сарёғ солиб қуртга қилиб берай.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**ҚУРТДАЙ**, -дек *рви, с. т.* Нақд; нақдина қилиб. *Савдони қиламиш, пулни жамоага топшираμισ. Маошимизни қуртдек санаб олаμισ.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Аввал қуртдек қилиб бир йиғирма қамчини .. едик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚУРТЛАМОҚ** Қурт босмоқ, қурт тушмоқ, танасида ёки ичида қурт пайдо бўлмоқ. *Олма қуртлаб кетибди. Суя қуртлаб кетибди. Қуртлаган гўшт.* — *Патнисда арпа унидан ёпилаган сополдай нон, бир қафт қуртлаган туршак.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ҚУРТЛАТМОҚ** қуртламоқ *фл. орт. н.*

**ҚУРТЛИ I** Қурт босган, қуртлаган. *Қуртли сув.*

2 Ичида қурт жойлашган; ичида қурт боқилаётган. *Қуртли олма. Қуртли қутича. Қуртли сават. Қуртли хона.*

**ҚУРТЛОҚИ** *диал.* Қурт босган, қурт тушган, қуртлаган. *Қуртлоқи гўшт. Қуртлоқи сув.* — *Ифлос патнисларда «пуф деса, Бухорога учадиган» тахир чап-чап нон, қуртлоқи туршак, жийда .. тортилади.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ҚУРТХОНА** Ипак қурти боқиладиган, пилла етиштириладиган хона, уй ёки маҳсуе бино. *Қуртларнинг тез ва яхши ўсиши учун .. қуртхона ҳавоси иссиқлигининг доим нормал бўлишини кўзатиб туриши зарур.* А. Абдуазимов, Ёйиллар достони.

**ҚУРТЧИ** *с. т.* Ипак қурти боқиб, парвариш қилиб, пилла етиштирувчи, қурт боқувчи; пиллачи. *Донгдор қуртчи.*

**ҚУРТЧИЛИК I** қуртчи *с. мажх. орт.* 2 Қишлоқ хўжалигининг қурт боқиб, пилла етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси; пиллачилик.

**ҚУРТ-ҚУМУРСҚА** Турли майда ҳашаротлар, қурт ва қумурсқалар. *Аҳволимни сўрмадинг, Оқламадинг танамни, Қурт-қумурсқа талайди Эрдан кеч мевамни.* З. Днёв. *Қосилка ортидан изма-из чуғурлашиб қалдирғочлар эргашар, улар уни бузилган*

қурт-қумурсқа ва юзага чиқиб қолган чигирткаларни овлашарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚУРУВЛИ** с. т. Қуриб битказилган, тикланган; қуруғлик. *Уч ёғоч қурувли — зулмининг дори, Қолмас Бўтақўзнинг сабру қарори.* «Ширин билан Шакар».

**ҚУРУВЧИ** 1 қурмоқ фл. ш. оти. Тошкент метросининг қурувчилари.

2 Қурилишда, бинокорликда ишловчи ишчи, мутахассис; бинокор. *У [Элмурод] кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади. Қурувчилар билан сўзлашади.* П. Турсун, Ҳикитувчи.

3 (асосан кўпл. ф-да) Ҳаёт, тузум, давлат, жамият ва ш. к.ни барпо этувчи, яратувчи киши. *Коммунизм қурувчилари.* — *Ватан кутар, аъло ўқиб — бизнинг бурчимиз, Улуғ ишда ҳиссамиз бор — ёш қурувчимиз.* И. Муслим.

**ҚУРУЛТОЙ** 1 тар. Ҳаттада мўғул ва баъзи туркий халқларда: давлат аҳамиятига эга бўлган катта йиғилиш, йиғин.

2 тар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки йилларида Хоразм ва Бухоро республикаларида: олий ҳокимият органларининг номи.

3 Ўзбекистонда ҳозир: бирор соҳа вакиллари иштирокидаги республика миқёсида ўтказиладиган катта йиғилиш. *Пахтакорлар қурултойи. Хотин-қизлар қурултойи.*

4 эск. айн. сьезд.

**ҚУРУМ** Ёқилгининг чала ёнишидан ҳосил бўлган, тутун билан кўтарилиб, труба, мўри девори ва ш. к.да тўпланадиган куйинди зарралари; қорақуя. *Қурум билан тўлган труба.* — *Мен ўзи тор ва шилларини қурум босан кичкина бир меҳмонхонага кўчиб чиқдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ҚУРУМЛИ** Қурум билан қопланган, тўлган; қурум босган.

**ҚУРУМСОҚ** Сарф-харажатдан, чиқимдан қочадиган; зикна, хасис. *Қурумсоқ одам.* — *Хасис, қурумсоқ, инсофсиз бойлар ва уларнинг фикрдошлари бўлган кишилар ҳолимиздан хабар олмас эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. — *Бахтимга қурумсоқ кампир йўқ экан, — деб қувониб гапира кетди Салтанбу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Яна қуруқдан-қуруқ эшикдан кириб келганига ўлайми, ҳа, қурумсоқ, тўртта кулча, бир қисим жийда кимни ўлдирибди. Т. Алимов, Совға.

**ҚУРУМСОҚЛИК** қурумсоқ с. белги оти. Одамларнинг айтишларига қараганда, *Абдулазиз азбаройи қурумсоқлигидан яхши еб яхши ичишга, тузукроқ кийинишга пулини кўзи қиймас ямиш.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚУРУТ** Сузгани ёнроқдек-ёнроқдек юмалоқлаб қуритиб тайёрланган маҳсулот. *Сузма қурут.* — *Шу кеча унга бошпана бериб, нон, тутмайиз, қурут!*

айрон билан меҳмон қилдилар. С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан.

**ҚУРУШИҚ** Қуришган, буришган, бурушиқ. *Уғлининг .. кичик қурушиқ юзига кун сайин қўшилган ажинлар ҳасрат, изтиробларини кўрсатар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ҚУРУШМОҚ** 1 Қуриб бужмаймоқ, қовжирамоқ. *Қуришган олма. Лабим қурушиб кетяпти.* — *Жағи қурушган, оғзи буришган бир чол чопиб келиб, Ёдгорни айлана берди.* «Ёдгор». 2 Совқотганга ўхшаб, титраб-қақшамоқ, жунжикмоқ; увишмоқ. *Этим қурушиб кетяпти.*

**ҚУРУШОҚ** кам қўлл. айн. қурушиқ. — *Кесатмай қўя қолинг!* — *Шакар буви аразлагандай — қурушоқ лабораторини бурди.* Х. Назир, Утлар тутаганда.

**ҚУРУШОҚ** 1 Суви қочиб, қуриб бурушиб қолган, қовжираган. *Қурушқоқ олма.*

2 Ориқ, тиржиқ, тиржайган. — *Рост, мен унинг қўлида китоб туғул, газета ҳам кўрмайман, — деди Уктам ва кулиб қўйди.* — *Кўпинча бир жуфт қурушқоқ эчкини боқиб юради.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҚУРУҚ** 1 Суви, нами батамом ёки қисман қочган, сувини, намини батамом ёки қисман йўқотган; суви, нами йўқ ёки оз. *Қуруқ ўтин. Қуруқ шамол. Қуруқ аёз — тилсиз ёв.* Мақол. *Сувдан қуруқ чиқмоқ.* Матал. || *Тўқайга ўт тушса, хўлу қуруқ баравар ёнар.* Мақол. — *Нормат ротага келиши ҳамон старшина Ваня Великан уни блиндажда ечинтириб қуруқ кийимларга ўради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тўтиқиз томнинг қуруқ кўкатлари устида кўчани томоша қилиб, гилос еб ётди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аллақайёдан дайдиб келган изғирин қуруқ қорларни чирпирак қилиб, узоқларга учуриб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Ёғингарчилик кам бўлган ёки бўладиган; ёғин-чочинсиз. *Қуруқ иқлим. Бу йил ёз қуруқ келди.* | Атайлаб қуритилган, қуриган. *Қуруқ мева. Қуруқ беда. Қуруқ чой. Қуруқ гўшт.* | Қуруқшаган, қурушиқ. *Қуруқ лаборатори базўр қимирлатиб, ҳарсиллаб деди Гулнор: Уҳ .. баданим ёниб боради.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Сувсиз; суви қуриган. *Қуруқ саҳро. Қуруқ дарё.* — *Қарвонлар .. ўзгартирдилар йўлини, Ташлаб бу қуруқ чўлини ..* З. Дийёр. — *Ёзда бу ерга ҳам сув келади, — деди Ҳамиджон менинг қуруқ гўшт ариқларга тикилиб бораётганимни кўриб.* Ҳ. Умарбеков, Чўлда бир кун. || *Баъзи бировлар «сувда балиқ, қуруқда тулки» деб, унинг эпчиллигини маъқул кўйардилар.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 кўчма Ичида ҳеч нарсаи йўқ, бўш. *Қуруқ уйга кўчиб кирмоқ.* *Қуруқ қошиқ оғиз йиртади.* Мақол. *Номии улуғ, супраси қуруқ.* Матал. — *[Бой] хатни курси устидан қуруқ патнис ташига қистирди.* Ойбек, Қут-

луғ қон. *Мудофеларга инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи ўзининг қуруқ хуржунни билан Азизбек қошига келиб қўллуқ қилди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ҳамёни (ёки чўнтаги) қуруқ* 1) ёнида пули йўқ. [*Валижон:*] *Чўнтак қўрғур ҳам қуруқ экан. Майли кейин ҳисоблашармиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 2) кўчма камбағал, қашшоқ. *Бу ердагилар орасида ҳамени қуруқ, сўзга тўйлиқ шу [Абдишукр] эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор нарса тўшалмаган, яланғоч. — *Остинга нима тўшайсан?* — *Қишда похол, ёзда қуруқ ерда ёта бераман.* Айний, Қуллар. *Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида ўтириб, маҳси кийиши билан овора экан, Унсин кириб келди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Ҳеч нарсаи; ёлғиз, фақат, биргина. *Қўлим қуруқ, бормай қўя қолай.* || *Тўйга қуруқ бормоқ.* *Бозордан қуруқ келмоқ.* *Овдан қуруқ қайтмоқ.* — *Бўта қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ хўйлаб .. ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У қуруқ енгисиз нимма билан қолди.* Ойдин, Бечора. *Мактабда шунчақ нарсаларни ўргатмаса, нимани ўргатади? Қуруқ илм билан бола бола бўлар эканми? А. Қаҳҳор, Айб кимда. Усмонжон уни [пулни] йўл кира қилиб, уйга қуруқ кириб келди.* С. Зуннунова, Гулхан. **Қуруқ бўйи** — *қуралай кўзи сепсиз қиз ҳақида айтиладиган матал. Қуруқ кетмоқ* бекор, бефойда кетмоқ. *Етиб келиб чақмоқдай, Чиқардилар бирдан ўқ, Нишонга санчилди, Аммо кетмади қуруқ.* Ғайратий. **Қуруқ қолмоқ** маҳрум бўлмоқ, бебахра, бенасиб бўлмоқ. *Паловдан қуруқ қолмоқ. Зиёфатдан қуруқ қолмоқ. Томошадан қуруқ қолмоқ* — *Ҳали Қумрига ишониб, Санобардан ҳам қуруқ қолмасам яхши эди.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Қатордан қуруқ қолма** ҳамма қатори сен ҳам ўз улушингни, насибанги ол маъноларида ишлатиладиган матал. **Қуруқ кўймоқ** маҳрум қилмоқ, бебахра, бенасиб қилмоқ, четда қолдирмоқ. *Тер тўкиб сочсан уруғ, ер сени қўймас қуруқ.* Мақол.

4 кўчма Амалга ошмайдиган, беҳуда, пуч. *Қуруқ ҳаё. Қуруқ вағда. Қуруқ гап қулоққа ёқмас.* Матал. || *Қуруқ гап қилмоқ.* — *Утган йил ҳам худди шундай бўлганди, — Қуруқ сўзга силосхона тўлганди.* А. Пўлат. *Олифтар йиғит, қуруқ қочирма бу белбоғлар ечилмайди.* Ҳамза, Паранга сирлари.

5 кўчма Таги пуч, асоссиз; уйдирма. *Қуруқ даъво. Қуруқ рақамлар.* || *Қуруқ туҳмат қилмоқ.* — *Даъвоингиза бирор исботингиз борми, ёки қуруқ бир гапми, исбот қила оласизми? А. Қодирий, Утган кунлар. Қуруқ овоза — турар жой эмаслигини ўзинг ҳам билсанг керак, директор [деди Суёнқул].* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз айтмаган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Астойдил ёки

самимий бўлмаган, шунчаки, юзаки. *Қуруқ пўписа. Қуруқ мулозамат.* || *Қуруққина кўришмоқ.* — *Лекин қуруқ дўқ қуруқлигича қолаберди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Гап қуруқ бўлмасин учун, икки элик хат ёзиб бер, олиб борай.* А. Қахҳор, Сароб. | Расмий. «Отинбуви» дейишга тили бормайди, «хоним» дейин деса қандай бўларкин, деб тортинади, муаллима деса-чи? *Йўқ, бу ҳам қуруқ бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Мухбир дафтарига бир тикилиб олгач, худди терговчига ўхшаб талаб оҳангида қуруққина гапирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 *кўчма салб.* Исми жисмига тўғри келмайдиган; бирор маъно чиқмайдиган. *Қуруқ олим.* — *Қуролов дангаса эмас. Лекин ўта қуруқ одам, унда ирода деган гап йўқ.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. || *Клубда бу қадар совуқ, қуруқ кўринган бу одам шундай хушчақчақ, шундай гапга уста эканки, асти қўйинг.* А. Қахҳор, Куюшқон. || «*Вой қуруғ-эй!*» — *ўзича ўйлаб қўйди Сирож.* Ф. Мусаёнов, Ҳури.

◆ *Аравани қуруқ (ёки қуруқ аравани) олиб қочмоқ қ. арава.* Ҳини *қуруққа олмоқ (ёки тортмоқ)* ўзини оқлашга уринмоқ, гуноҳсиз қилиб кўрсатмоқ. *Салим ҳам бутун айбни Йўлчиға ағдариб, ўзини қуруққа тортиди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚУРУҚДАН-ҚУРУҚ** *рвш 1* Ҳеч нарчасиз. *Тўйга қуруқдан-қуруқ борамизми?* — [Ҳайринисо Унсинга:] *Вой бу нимаси, жиндайгина ўтиринг, чой қилиб келай, қуруқдан-қуруқ кетаверасизми?* Ойбек, Улуғ йўл. *Бу хўжайининг жуда худо урган одам экан .. Букун кечаси бир амаллаб қочамиз. Қуруқдан-қуруқ-а?* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дабудурустан. *Қуруқдан-қуруқ «тиллани қайтариб бер» десак, қандай бўлар экан деб сўради подшо вазирдан.* «Латифалар». Абдурашул .. *ўзини қуруқдан-қуруқ катта, ё билармон қилиб кўрсатишни истамас эди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**ҚУРУҚЛИК** 1 *қуруқ с. белги оти.* Ҳтиннинг қуруқлиги. *Бу ерда ҳавонинг қуруқлиги дарров билинди.* Унинг қуруқлигини ҳамма билади. — *Қуруқ дўқ қуруқлигича қолаверибди.* Эртасига бозорларда, самоварларда одамлар бир-бирларига кечаси ҳазил ҳақда гапириб кулишибди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 *Сувсиз, намсиз, қуруқ жой, ер.* «*Белни узатин!*» *Йигит белнинг сопини узатди, уни қуруқликка чиқарди.* Ойдин, Гулсанам.

3 *геогр.* Ер шарининг денгиз ва океанлардан ташқари қисми. *Дунёнинг уч қисми сув, бир қисми — қуруқлик.*

**ҚУРУҚЧИЛИК** *Ез қурғоқ келган, ёгин-сочин кам бўлган палла; қур-*

*ғоқчилик. Қуруқчилик бўлмайдиган районлар.*

**ҚУРУҚШАМОҚ** *Қурушмоқ; қов-жирамоқ. Тилим қуруқшаб, томоғимни бадбўй бир дуд ахитди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Унинг лаблари қуруқшаган, кучли иситмада ёнган кишининг лабидай қорайган. А. Қахҳор, Сароб. | *Қуриб қотинқираб кетмоқ. Иссиқда қуруқшаб ғарчиллаётган этининг ғарчини пасайтириш учун оёқ учида юриб, харсанга яқинлашди.* С. Анорбоев, Оқой.

**ҚУРУҒЛИК** *Қуриб битказилган, тикланган; тайёр. Қуруғлик уй.* || *Дарвозалар ҳам қуруғлик.* — [Гулсанам] *эшик орқасида қуруғлик турган ёрғучоққа жўхорини солди ва ўзича фингирлаб ашула айтиб, тегирмонни айлантира бошлади.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

**ҚУРЧ** 1 *эск. айн. бронза.*  
**ҚУРЧ** II *Тифиз, ниқ; заранг. Қурч ер. Қурч бадан.*

**ҚУРЧОҚ** *диал. Қўғирчоқ. Қурчоқлар мингобошининг шопи синиб қолган экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУРЧОҚБОЗ** *диал. Қўғирчоқбоз. Ҳайдар қурчоқбозни .. ҳамма танир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУРШАЛМОҚ** *қуршамоқ фл. мажҳ. н. Қуршалган ёв қўшини таслим бўлди.* — *Қирларнинг ёки бағридаги йўлда шовқин-сурон билан ўрмалоб келаётган пўлат машина ҳар томондан юғуриб келган болалар ва йигит-қизлар билан қуршалди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. *Ана, уч тарафи тоғлар билан қуршалиб, жануби пахтазор далаларига улашиб кетган қўмқўк шаҳарча.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**ҚУРШАМОҚ** 1 *Атрофлаб ўраб олмоқ, давра қуриб ўртага, қуршовга олмоқ; ўраб турмоқ. Майдонни қуришаган одамлар қурашни томоша қилмоқда.* — *Йигитлар Йўлчининг атрофини қуришади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Жангчилар бўй билан номерланган вагонларга чиқибди.* Одамлар гувирлашиб вагонларни қуришаб олишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Болалар яна битта-битта келиб, печка олдини қуришадилар.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. *Утовни қуришаган қамиш қўра тагида бир одам ётарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қишлоқ атрофини қуришаб ётган тоғлар чўққиси симоб тус олиб, йилтирай бошлади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Қамал қилмоқ, қамалга олмоқ. Душман дивизияси қуришаб олинди.*

2 *кўчма Қопламоқ, чулғамоқ, босмоқ. Юракни ваҳима қуришади.*

**ҚУРШАТМОҚ** *қуршамоқ 1 фл. орт. н. Атрофни девор билан қуришати.*

**ҚУРШАШМОҚ** *қуршамоқ 1 фл. бирг. н. Улиқнинг эгалари атрофни қуришашиб, баъзилари унинг бетларини силаб йнглай бошладилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҚУРШОВ** 1 *қуршамоқ фл. иш оти.*

2 *Атрофлаб ўралган, қуршаб олинган ҳолат. Комиссиядан чиққан Фотима йигитлар қуршовида эди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. *Тайгалар қуршови ичиде бутун, Ажратиб бўлмади кундузи ё тун?* Шайхзода. *Хотам, Рокья, Турғун қуршовида Валихўжа киради.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | *Қамал ҳолати; қамал. Душманни қуршовга олмоқ. Қуршовда қолмоқ. Қуршовни ёриб ўтмоқ.* — *Бугун у санбатда экан, бирдан «бир батальон қуршовдан чиқибди» деган гап тарқалди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма Қучоқ, оғуш (хис-туйғу, кечинма ва ш. к. ҳақида). Равшан хола гоҳ кўнглини ёрдай эритиб, гоҳ оғир, дил тирнар ўйлар қуршовига берилиб хаёл суради.* С. Сиёев, Райҳон. У [раис] *қандайдир хаёл қуршовида, калласида ниманидир пишитарди.* И. Шамшаров, Раиснинг янги ташвиши.

4 *Теварак, атроф. Чаманзордир боғнинг қуршови, чақ-чақ урар қувноқ булбуллар.* Шайхзода.

5 *Атрофдаги муҳит, одамлар. Характер жисм билан бирга айни бир вақтда туғилса ҳам қуршов таъсирида вояга етди.* И. Раҳим, Ҳилола.

**ҚУРЪА** [a] 1 *Тақсимланадиган ёки талаш бўлган нарсанинг кимга тегишини, навбатни, баҳсда ким ҳақ, ким ноҳақлиги ва ш. к.ни ҳал қилиш учун ташланадиган ёки олинадиган шартли белги; чек. Қуръа ташлаб навбатни аниқламоқ.* — *Совет кишининг бир фазилати шуки, у қуръа ташлаш — фол очишга ўрганган эмас, чунки унинг эртаси, индини .. ўн йилдан кейини аниқ ва аёнқир.* Ғ. Ғулом, Куёш оиласига салом.

2 *Фол; фараз. Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг қуръаларига қараб эмас, балки ақл-идрокнинг талабига қўра ҳал этмак зарур.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ҚУРЪААНДОЗ** [a+ф-т] *Қуръа ташлаб фол оловчи; фолбин. Шунда бутун қуръаандозлар, мунажжимлар йиқилдилар.* «Гўрўғли».

**ҚУРЪОН** [a] *Мусулмон динининг ақидалари ва қонун-қоидалари тўпламидан иборат бўлган, гўё худо томонидан юборилган китоб. — Ёлғиз, ёлғиз битта китоб бор, — дўқ билан дейди Абдуллабой, у оллонинг китоби — қуръон.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қуръон оятлари қабристон ичиде оғир оҳангда оқар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Эшонхўжа қори қуръон ўқиб, Саврихон аяни ихлос билан чиллаёсин қилмоқда.* Ғайратий, Довдираш. **Хатм(и) қуръон қ. хатм. Қуръон тушириш айн. хатм(и) қуръон қ. хатм. Қуръон кўтармоқ** *қуръонни гувоҳ қилиб қасам ичмоқ. Ҳатто у учта талабани ҳужрасига олиб кириб, чет элга кетишга қасам ичирди — қуръон кўтартирди.* А. Қахҳор, Сароб.

**ҚУР-ҚУР** 1 *рвш Вақти-вақти билан, гоҳо-гоҳо; ўқтин-ўқтин. Тутканоғи қур-қур тутиб туради.*

**ҚУР-ҚУР II қур IV с. тақр.** Қур-қур қилмоқ. Қур-қур сайрамоқ. ■ Тўра чилимни қур-қур тортиб, кисасидан уч-тўрт тангани чиқариб унга узатди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚУРҚУРАМОҚ** «Қур-қур» овоз чиқармоқ; «қур-қур» сайрамоқ. Узқларда турналарнинг қурқураши эшитиларди, турналар бошида етакчиси учиб борарди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ҚУРҒАМОҚ диал.** Қуримоқ. Навоий ўтказган ариқлар қурғаб, яғни Навоийдан кутмоқдайдир сув. Х. Олимжон, Чирчиқ бўйларида. Бузилган қўрғончалар, қурғабан катта-катта чинорлар кўзга жуда хунук кўринади. Уйғун, Турсуной. Тўламанат бўлса, лойгарчиликни баҳона қилди. Ҳаво очилиб кетса бир-икки кунда ер қурғаб қолади, ўшанда пичанни ташишимиз, деб пайт пойлади, тўйларда юрди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚУРҒОҚ I** Ёгин-сочин кам бўлган ёки бўладиган; қуруқ. Урта Осийнинг қурғоқ иқлими. Эрта кўклам қурғоқ келди.

2 Усимлик ўсиши, дехқончилик учун сув, нам егарли бўлмаган; қурғоқчил. Қурғоқ ерлар.

3 диал. Қуриган, қуруқшаган, қуруқ. Шимол .. экинсиз, жонсиз ётган қовжироқ ерлари, япроқлари сарғайган қурғоқ дарахлари билан одамни ҳайратга солади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 с. т. Ер шарининг қуруқ қисми, қуруқлик.

**ҚУРҒОҚЛИК I** қурғоқ с. белги оти. Ҳар икки кунда бир суғориладиган бу боққа баҳорнинг қурғоқлиги унча таъсир қилмаган эди. Айний, Қуллар.

2 айн. қурғоқ 4. **ҚУРҒОҚЧИЛ** Дехқончилик учун сув, нам, ёгин-сочин кам бўладиган; камнам, камсув; сувсиз, қурғоқ. Қурғоқчил дашт. ■ [Куйи Амударё райони] Узбекистоннинг энг қурғоқчил райони. «УзССРнинг иқтисодий географияси».

**ҚУРҒОҚЧИЛИК** Ёз қурғоқ келган, узоқ вақт ёгин-сочин бўлмай, экинлар сувсиз қолган палла; қуруқчилик. Қурғоқчилик бўлмайдиган районлар. Қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар. ■ Бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар қуйиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

**ҚУРҒУР** Бор бўлмагур, ўлгур, тушмагур (енгли койниш, таҳсин, ачиниш ва ш. к. ифодалайди). Қурғур, шахматни жуда яхши ўйнайди-да! ■ Далони қурғур жуда серқатнов жой экан. Ғ. Ғулум, Тирилган мурда. Мирбадал уйни бошлаб олибди. Ишига пишиқ, қурғур. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. — Пи-ишт, башаранг қурғур! — кесак отди [Жонизоқ оқсоқол]. С. Анорбоев, Оқсой. ■ Бу сўзларни қурғур кампир айтади. Қорахоннинг кўнелини шодмон этади. «Алпомиш».

**ҚУСИЛМОҚ** қусмоқ фл. мажх. н.

[Жамила:] Бераҳм бой, тоқайгача ғарибларни хун-бийрон йиғлатасан, бу тўкилган ёшлар, қусилган қонлар, бу тўрт деворлардан кўтарилган бу оху-зорлар сени ёқандан тутмай қўйма. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ҚУСМОҚ I** Ёйилган-ичилган овқатни қайтариб ташламоқ, қайт қилмоқ. Беморнинг кўнели айниб, қусиб юборди. ■ Узбек ойм жом ушлаган, Қумуш жомга ўқчиб қусар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Қон қусмоқ** 1) қон ташламоқ. Кечаси бир зафатдан қайтиб, [бой] лахта-лахта қон қусди, аzoneа яқин жон берди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўйма қаттиқ азоб-машаққат чекмоқ, қўйналмоқ. [Салтонбу] тўққиз болани катта қилгунча қон ютиб, қон қусган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўйма с. т. Олганини, юганини қайтармоқ. Қани, пулни қусиб қўйинг. ■ Емоқнинг қусмоғи бўлади, домла. Бу дунёнинг ишларини жуда ҳам жўн билманг. Х. Ғулум, Машғал.

◆ **Тупроқ (нам) қусибди с. т.** тупроқ нам тортиб, намиқиб, қорамтир туста кирибди. Ҳар гектар ерда бир кеча-кундуз сув оқиб, тупроқ юзаси қорайиб, дехқон тили билан айтаанда, «тупроқ қусди». М. Назаров, Жилвон жилвалари. **Қозон қусибди** қозон деворларининг оксидланиши натижасида овқат қорайиб пишибди.

**ҚУСТИРМОҚ** қусмоқ фл. орт. н. Нечанинг гул боғин айладиган вайрон, Нечани қустирдинг лахта-лахта қон. Ғайратий.

**ҚУСУР [а]** Камчилик, нуқсон, айб; хато. Унинг битта қусури — камбағаллиги. Ойбек, Қутлуғ қон. Кампир уйдан қусур тополмади. Уйлар бир-биридан гўзал, ёғ тўкилса ялагудек эди. А. Исмомидинов, Хушёр кампир. **Қусурини босмоқ (ёки чиқармоқ)** камчилигини, ўрнини тўлдирмоқ, хиссасини чиқармоқ. Бунинг қусурини бошқа экинларнинг .. устидан чиқарамиз, домуллал Айний, Қуллар.

◆ **Падар(и) қусур қ. падар.** **ҚУСУРЛИ** Камчилиги, айби, нуқсонни бўлган; нуқсонли.

**ҚУСУРСИЗ** Камчилиги, айби, нуқсонни йўқ; камчиликсиз, бенуқсон. Мен улуғ совет оиламизнинг ва унда яшовчиларнинг пуртурис ва қусурсиз, ҳамиша соғ-саломат бўлишларини орзу қиламан. Ғ. Ғулум, Қуёш оиласига салом.

**ҚУСУҚ** Қайт қилиб ташланган овқат, сафро ва ш. к. Бу гал қусуқ бояги қаттиқ аралаш кўкямтил ва сарғимтил нарсалар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚУТ** Бойлик, бахт. Чақмоқ чақсин момақалдироқ, Майли кўнги қопласин булут, Шалоладай булутинг оплоқ, Ёғдиради сероблик ва қут. Ю. Шомансуров. | Барака, самара. — Ишимизга қут кираяпти. Машина колхознинг ёлғиз азамат уловигина эмас, хусни ҳам, — деди Уктам. Ойбек, О. в. ша-

бадалар. **Қути учди (ёки қочди)** 1) баракаси кетди, баракаси қочди. Назр-ниёзларнинг ҳам қути учиб, ҳассасига таянган эшон билан бир яшашининг қизиги ҳам қолмади. С. Аҳмад, Хукм; 2) кўйма қаттиқ қўрқди, қўрқиб, кайфи учиб кетди. Шу пайт бир ўқ келиб дарахтега теги-ю, унинг қуриган пўстлогини шилби кетди. Қутим учиб, ўзимни чангалзорга урдим. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҚУТБ [а]** 1 геогр. Ернинг фаразий айланishi ўқи билан ер сирти кесинган икки нуқтадан ҳар бири. Жанубий қутб. Шимолий қутб. ! Ана шу нуқталар атрофидаги ер-жойлар. Қутб доираси. Жанубий қутбда бир қанча илмий экспедиция текшириши ишлари олиб бормоқда. **Қутб юлдузи** Ернинг Шимолий қутбига энг яқин ёруғ юлдуз, Қичик Етти Оғайнлардан бири; Олтинқозик, Темирқозик.

2 физ. Электр занжири ёки магнитнинг қарама-қарши икки томонидан бири. Манфий қутб. Мусбат қутб.

3 кўйма\* Бир-бирига мутлақо зид, қарама-қарши бўлган икки хил нарса, воқеа, ходиса ва ш. к.дан бири; қарама-қарши томон.

**ҚУТ-БАРАКА**, қуту барака Қут ва барака; бойлик, фаровонлик. Фарғона! Меҳмондўст, бағри кенг макон, Қуту баракадир босган изларинг. М. Жабборов.

**ҚУТ-БАРАКАЛИ** Қут ва баракали, қут ва барака келтирувчи. Қут-баракали пахта хирмонлари.

**ҚУТБИЙ [а]** Қутбга оид (қ. қутб 1). Қутбий доира. Қутбий иқлим. Қутбий станция. Қутбий экспедиция.

**ҚУТБЛАНИШ** физ. Ёруғлик ва электромагнитик тўлқинларнинг маълум текисликда қутблар бўйича тақсимланиш ҳодисаси. Майдонга ўрнатилган диэлектрикда зарядларнинг сил-жши процесси қутбланиш деб аталади. «Физика».

**ҚУТБЧИ** Қутб экспедициясининг қатнашчиси; қутб станцияларида ишлаб, қутбни тадқиқот қилувчи киши. Совет қутбчилари.

**ҚУТИ I** Қулф-калитли кичкина сандиқча. Ёшиқдан бошлаб келин-ойиларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури .. калити бурнида унутилган бир қутини очди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ҳат, газета, сайлов бюллетени ва ш. к. ташлаш учун махсус яшиқча. Почта қутиси. Сайлов қутиси. ■ Қизил аловлар билан безатилган қутилар ёнига бирин-кетин сайловчилар яқинлашмоқда. А. Мадумаров, Байрам тонги.

3 Ичига бир турдаги нарсалар жойланган ёки жойланадиган ҳар қандай яшиқ ёки қоробка. Гуурт қути. Папирос қутиси. Икки қути кўк чой. ■ Аркашга икки қути конфет бер, —

деб буйруқ берарди Отахон. И. Рахим, Чин мухаббат. [Нусратий] ёнидан қутисини чиқариб, папирос чекди. Х. Нуъмон ва А. Шорахмедов, Ота. | Ичига нарса солиб қўйиш ва сақлаш учун белгиланган хар қандай қопқоқли идиш. *Иш қути.* — Пулемёт бузилмаган, ҳатто янги лекта ўтказилган, нарида ўқ солинадиган иккита металл қути ҳам турибди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Деворда ёғоч телефон қутиси, бурчакда эса телеграф аппарати олдидан .. бир қиз ўтирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Йигирма грамм пилла қурти уруғи солинган махсус қоғоз коробка ва шу уруғдан чиққан ипак қурти. *Саттор-қула* баҳорда қари-қарангаларни йўғиб: «бекордан ҳамма безор, ҳеч бўлмаса бир қутисина қурт тутмайсизларми?» — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚУТИДОР** 1 эск. Қути-қути пул-дунёси бўлган йирик бой; сармоядор. Яна Ҳиротнинг донгдор қутидор боёнларидан бир нечасини .. қутиб туришганини кўрди. Ойбек, Навоий.

2 тар. Қўқон хонлигида: олиқ-солиқлардан тўпланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хон хазинасига топширувчи сарой амалдори.— *Ахир қутидор ҳам бообрў одам-да,— деди биринчи киши.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚУТИЧА** қути с. кичр. Гугурт қутича. — Шу кунга катта холасининг қутичасини тутиб, Паст қўриқдаги шолқорлик ерининг васиқасини топиб қўйди. А. Қаҳҳор, Ҳи-хи.

**ҚУТЛАМОҚ** Кувончли воқеа, байрам ва ш. к. муносабати билан кимсага ўзининг эзгу истаklarини билдирмоқ, уни табрикламоқ, муборакбод этмоқ. *Янги йил билан қутламоқ. Галабангиз билан қутлайман.* — Хонқалик Нодир паҳлавон гурланлик кучли Кўчқор паҳлавонни йиқитди. Ҳамма гуркираб Нодир паҳлавонни қутлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚУТЛАНМОҚ** қутламоқ фл. мажх. н.

**ҚУТЛАШМОҚ** қутламоқ фл. бирг. н. Байрам билан бир-бирларини қутлашиди. — Сахархез чумчуқлар бир-бирларини қутлашиб, чирқиллашади. К. Мақсудов, Мухаббат қўшиғи.

**ҚУТЛИ** с. т. Қутлуғ. Оқ олтинни терган қўл Донгдор, қутли қўл бўлди. Ҳабибий. Нурга тўла, эркин, озод. Қутли уйинг муборак. Ф. Ғулом. Унинг энида қадимона тикилган кенг, узун оқ шоҳи кўйлак (қутли кунда бурма кўйлак кийишни онаси ман этган), бошида байтлар ёзилган катта санама рўмол, оёқларида ипакдай майин гулдор маҳси. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚУТЛОВ** 1 қутламо фл. иш оти. *Бир-биринг қутлов.*

2 Табрик; табрикнома. Самимий қутлов. — Тўй деганда кўз олдимиғза оммавий шодлик, кўшиқ, музика, ўйин билан дўстлар хўшмати, ёру қарин-

дошлар қутлови, кексалар олқини келади. М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

**ҚУТ-ЛОЯМУТ**, қути лоямут Кундалик тирикчиликка етарли овқат. Уридан туришга, қут-лоямут қидиришга мажбур эдик. Ф. Ғулом, Шум бола.

**ҚУТЛУҒ** 1 Қут-барака, бахт келтирувчи; қут-баракали, бахтли. Одамлар Худойқулни чин кўнгилдан табриклашди.— *Ухў Худойқул, уст-бош қутлуғ бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи. Кумушбининг қизларга берган жавоби эшитилар-эшитилмаслик эди: — *Қутлуғ.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 айн. муқаддас. Бу қон энг қутлуғ, энг муборак, энг соф қон. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚУТУЛИШМОҚ** қутулмоқ 1—4 фл. бирг. н. Улар асирликдан қутулишиди.

**ҚУТУЛМОҚ** 1 Кўнгилсиз, оғир, хавfli, ва ш. к. ҳолдан чиқмоқ, озод, халос бўлмоқ; ёмон киши, нарса ва ш. к.дан сақланмоқ. Қасаликдан қутулмоқ. Ташишдан қутулмоқ. — *Сен қутулдинг қайгу, ҳасратдан. Ғайратий. Қолхозларинг дуруст бўлиб келаётинг: дамба қилиб тошқин баласидан қутулдиларинг, ариқ битай деб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Сақланмоқ, омон қолмоқ. *Бир ўлимдан қутулди. Қордан қутулиб, ёмғирга тутилмоқ.* Мақол. *Билдим дедим — тутилдим, билмадим дедим — қутулдим.* Мақол. — *Сиз ўйлаган қадар осон эмас, афандим, гуноҳдан қутулиб кетишингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.— *Қомил балони билади,— деб ўйлади ичиди бек.— Менинг қорабайиримдан қочиб қутулди у тулки!* Х. Ғулом, Машбал.

2 Бўшаб чиқмоқ, бўшамоқ, озод бўлмоқ. | [Йўлчи] қамоқдан қутулиб чиқса, уни бир кўрсам. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ташлаб, тарк этиб, барҳам бериб ёки воз кечиб халос бўлмоқ. Чекишдан қутулди. Ёмон одатлардан қутулди.

4 Зиммадаги иш, мажбурият, бурч, қарз ва ш. к.ни адо этиб ёки бирор баҳона қилиб ундан хориж, мусаффо бўлмоқ; бўшамоқ. Қарздан қутулди. Қолхоз планни тўлдириб, мажбуриятдан ҳам қутулди. — *Йўлчи аксар вақт, ишдан қутулгач, у [Қоратой] билан вақт кечирар, қайғусини, севинчини унга очар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.— [Ўзбек ойми:] *Ташқарингиздан Ойбодоқ қутулаёздими? — [Ҳожми:] Қутулиб қолди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 с. т. Тўғмоқ (хомиладор хотин ҳақида). Эсон-омон қутулсин, яхши жувон .. [деди Анзира]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ Кўпдан қуён қочиб қутулмас ҳамма аҳиллик билан баравар ҳаракат қилса, хар қандай иш ҳам битади, маъносидаги мақол. Олимлар бирон йўлни топаётгандир-да, топмайдиган бўлса Аҳмедов акам айтмас эдилар. Олимлар ҳам колхоз бўлиб иш-

ласа .. Кўпдан қуён қутулмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қочиб қутулмайди амалга ошмай, бажарилмай қолмайди. *Ёшлардан иш қочиб қутулмайди.*

**ҚУТУЛТИРМОҚ** қутулмоқ фл. орт. н. Эски қадрдони уни мушкул аҳволдан қутултирди. — *Ой юзине қора чиммат зулмидан қутултирил.* Ҳамза.

**ҚУТУРИШ** 1 қутурмоқ фл. иш оти. 2 Ҳайвонларда ва одамда бўладиган, асосий белгиси сувдан қўрқишдан иборат оғир юқумли касаллик.

**ҚУТУРИШМОҚ** қутурмоқ 1—3 фл. бирг. н. Денгизларнинг орқасидан оч қашқирдек олайишар. Уруш истар, қон исташар, Қутуришиб, яланишар [душманлар]. К. Мухаммадий.

**ҚУТУРМОҚ** 1 Қутуриш касалига йўлиқмоқ. Қутурган бўри. *Ит қутурса, эгасини қопади.* Мақол. — *Э, мусулмон, нега қопмайди, дейсиз, бу ит қутурган-ку, ахир ..— деди Тўқсонов ва дарров ёнидан қора тўйлончасини чиқарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Жон-жаҳди билан, бор куч-имкониятини ишга солиб ёвузларча ҳаракат қилмоқ. *Белград атрофида бўлаётган жангда немислар қутуриб қаршилик кўрсатар эди.* Н. Сафаров, Дон.

3 кўчма Босар-тусарини билмай қолмоқ, ҳаддан ошмоқ. *Ихлосманд кўнай-си, эшон қутура.* Мақол. — [Ғофир:] *Энди бу қутурган бой менинг хизматларимнинг эвазига менинг ёш жонимга жафо қилаёттир, жафол Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

4 кўчма Зўр куч, шиддат билан юз бермоқ, содир бўлмоқ; авжига минмоқ, ғазабга олмоқ. *Бўрон қутурмоқда.* — *Сув қутуриб келяпти, паромни чирпырак қилиб олиб кетади.* С. Аҳмад, Ёнбол чироқлари. *Айрим жойларда ёнғин қутуриб, ўз ўлжасини катта иштакча билан ютмоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ҚУТУРТИРМОҚ** 1 қутурмоқ 1—3 фл. орт. н. Бебилиска топилган ҳаром пуллар қутуртирган, ҳар хил номуносиб йўллар билан мансабга миңиб олган айрим шахслар халқни худди Мирҳосилдай менсимай қўйишади. Х. Ғулом, Сенга интиламан. *Совет жангчиларининг эзилмас ботир руҳи душманни бадтарроқ қутуртирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бировга қарши оёқлантирмоқ, гиж-гижламоқ, олқишламоқ; қутқу солмоқ. [Дадавой:] *Ёмон кўрадиган бўлса сизлар сабабкор. Халқни менга қарши қутуртириб юрансизлар.* Уйғун, Навбахор.— *Эй тўрам, ишбузуқи ўша,— деди навкар секингина [Полвонни кўрсатиб],— одамларни менга қарши қутуртиряпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚУТУРГМОҚ** қутурмоқ фл. орт. н. **ҚУТҚАЗИШМОҚ** қутқазмоқ фл. бирг. н.

**ҚУТҚАЗМОҚ** айн. қутқармоқ. [Қурбон ота:] *Отамиз Ленинга миң-миң*



раҳматки, ўзи азоб чекиб, бизларни азобдан қутқазди. А. Қаххор, Тўй. Отабек жавоб ўрнига Қумушининг юзидан ўпди .. Қумуш ўзини қутқазиб ўрнидан турди. А. Қодирий, Утган кунлар. Дастёр бўлиб қолган қизлари, айниқса катта қизи Башорат уни [Онахонни] кўндан бери рўзгор ташвишдан қутқазган. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КУТҚАРИЛМОҚ** кутқармоқ *фл. мажх. н.* [Отабекнинг] Мирзакарим ака билан қамалиб, осилишга ҳукм қилинганларида дор остидан қутқарилиш воқеаларини хотирлайсизми? А. Қодирий, Утган кунлар.

**КУТҚАРИШ** **1** кутқармоқ *фл. иш оти.* [Хонзода.] Мақсадинг эринини қутқаришми?! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**2** Сақлаш, қутқариб қолиш ишлари. Қутқариш чамбараси. Қутқариш бригадаси. Қутқариш қайғи.

**КУТҚАРИШМОҚ** кутқармоқ *фл. бирг. н.*

**КУТҚАРМОҚ** **1** Қўнгилсиз, оғир, хавфли ва ш. к. ҳолдан чиқармоқ, озод, халос қилмоқ; ёмон киши, нарса ва ш. к. дан сақламоқ. *Азобдан қутқармоқ. Хижолатдан қутқармоқ. Улимдан қутқармоқ. Шарманда бўлишдан қутқармоқ. Тилини тийган бошини қутқарар. Мақол. — Кўп одамлар бу дарёнинг остида ер тишлади, кўплар гирдобга йўлиқиб, чўп ҳасдай гир-гир айланади: қўлини қўзиб, қутқар, дейди. Қайси мард уларни қутқарарди? Ойбек, Қутлуғ қон.*

**2** Бўшатмоқ, чиқариб олмоқ, озод қилмоқ. *Қамоқдан қутқармоқ. — Отам билан онам: «Тога шарманда бўлдик. Беш-олти йилга кестириб юборса, сени қандай қилиб қутқариб оламиз?» П. Турсун, Уқитувчи.*

**3** Халос, хориж қилмоқ. *Ичкилик-бозликдан қутқармоқ. Қарздан қутқармоқ.*

**КУТҚАРУВЧИ** **1** кутқармоқ *фл. иш оти.*

**2** Халос қилувчи, озодликка чиқарувчи, халоскор. *Қутқарувчи куч. Қутқарувчи армия.*

**КУТҚУ** Ёмон ишга, йўлга ундовчи, оёқлантирувчи давват; тескари ташвиқот; гижгижлаш. — *Менга қара, ҳой, Тўлаган, — деди Бўтабой ака унинг елкасига қўлини ташлаб, — яхши иш қилмайтибсан. Ифвогарларнинг ифвосига, муштумўрларнинг қутқусига учмагин. Бир вақти келиб пушаймон бўласан. А. Қаххор, Қўшчинор. [Солиҳбой:] Ана Холмат, менинг содиқ хизматкорим, ўзи калбағал, унга ҳам қутқу солган, йўлбосарликка чақирган. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**КУЧМОҚ** **1** Кучоқ орасига олиб, бағрига, кўкрагига босмоқ; кучоқламоқ. *Белидан қучмоқ. — Қалпир уни кўриб аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юзидан, бу юзидан ўпди. А. Қаххор, Қўк конверт. Яширай деб кўзда ёшини Кучиб*

олди қизнинг бошини. Э. Раҳим. Қудрат Викторни ётган жойида авайлаб қучди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**2** Кўчма Ураб, қамраб олмоқ, қопламоқ. *Россия, Россия, азамат йўлка, Эй осмон сингари бепоеён Ватан, Тўлдирган чоқда ҳам жаҳонни нурга, Қуёш қуна олмас сени дафъатан!* Х. Олимжон. Қанот ёзган изгириқ. *Кучар юпун танларни. Ғайратий. Поёнини кўз илғамас, овоз кучмас мовий денгиз бугун ажаб осойишта. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. | Ураб, чулғаб олмоқ, эгалламоқ, босмоқ (хис, туйғу ва ш. к. ҳақида). Уни ширин халлар қучмиш. — Оҳ, у дамлар! .. эсласам қалбимни қувонч, руҳимни шодлик кучади. М. Жабборов, Севинч ёшлари.*

**3** Кўчма Эришмоқ, қозонмоқ. *Ғалаба қучмоқ. — Пахтакор диёримиз катта зафар қучди. Улкан «оқ олтин» қарвони маррага етди. А. Дадабоев, Қутлаймиз. Йилларки, шон қўчган бир лаҳзаси, Ҳар бири асрдан вазмин, мазмундор. Э. Раҳим.*

◆ **Ер(ни) кучмоқ** **1** ерга йиқилмоқ; ерга қапишиб қолмоқ. *Ваҳимага тушган генерал ханжарини ишга солмоқчи бўлганида, Мардонбек кекирдагига шундай мушт туширадики, тўти бурун ер қучиб қолади. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи; 2) ерга бағр бериб ётиб олмоқ. Жанчилар бир зумда тарқалиб ерни қучдилар. Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўчма қабрга кирмоқ, ўлмоқ. Ер қучса-да жисимиз, Учмагайдир исми-миз. Ё. Мирза.*

**КУЧОҚ** **1** Эъзоз, ҳурмат юзасидан бировни бағрига олиш, босиш мақсадидаги қўл харакати ёки ҳолати. *Ғулможон, онасининг иссиқ кучоғидан бўшаб, секин ўрнидан турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. То у етиб боргунча Аншират хола туриб болани кучоғига олди ва силкитиб юпата бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор. Бегимжон қувониб кетди .. ўзини Бозоровнинг кучоғига ташлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кучоқ очмоқ (ёки ёзмоқ, кермоқ)*

**1)** бағрига олиш, босиш учун қўлларини ёзиб қутармоқ. *Қиз кучоғини очса, йигит йўқ дейдими? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қўришгани кучоқ ёзиб келайтган кампирнинг уст-бошини кўриб [Шарофатнинг] заҳри бир оз тарқалди. А. Қаххор, Қўшчинор; 2) хурсандлик, шодлик билан кутиб олмоқ. Зарбдор қурилишлар ёшларни кучоқ очиб қаришлайди. — Сизлар билан қутлаб кучоғим Очай бузув навақирон йилга. Ғайратий.*

**2** Кўчма поэт. Оғуш, бағир. *Табиат кучоғида яйрамоқ. Бола уйқу кучоғида. У ширин халлар кучоғидан чиқолмас эди. — Қошқийди қишлоғимизга келсанг, — деди Қомил кулиб. — Бизда халқ докторни жуда иззат қилади. Агар Тошкент кучоғидан айрила билсанг. Ойбек, О. в. шабадалар. Мана сиз, фарзандларим, Ёшлигингиз забардаст. Мактаб — илм кучоғида, Ўсасиз ўқиб,*

яйраб. Қ. Мухаммадий. Сувонжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўроннинг кучоғига отди. С. Анорбоев, Оқ-сой.

**3** Икки қўлни ёйганда бир-бирига туташтирилган, оралиқ (йўғонлик ўлчови сифатида). *Кучоққа сиймайдиған дарахт. — Палкани кучоқ элтмас бўлгунча сақлаб ўтиришдан мақсад нима эди? И. Раҳим, Ихлос. | Шу ўлчовдаги нарса миқдори. Икки кучоқ похол. — Яхшиямки гузурт бор экан. Отам бир неча кучоқ хашак териб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир кучоқ 1) кучоққа сийгарли. Бир кучоқ ўтин; 2) кўчма анча-мунча, кўп, бир талай. Бир оздан кейин комиссар уни чақириб, бир кучоқ хат топширди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**КУЧОҚЛАМОҚ** **1** Кучоқ орасига олиб бағрига тортмоқ, бағрига босмоқ; қучмоқ. *Севгилисини қучоқламоқ. Болани қучоқлаб ўпмоқ. — Унсин .. акасини кўриши билан югуриб бориб, уни қучоқлади. Ойбек, Қутлуғ қон. [Ольга Петровна] қизинини бир қўли билан қучоқлаб ўзига тортди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўлқин Ғани отанинг елкасига ёпишиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

**2** Умуман икки қўл орасига олиб ва бағир бериб маҳкам ёпишмоқ, икки қўли билан бағир бериб ўшламоқ. *Дарахтни қучоқлаб олмоқ. — Турсунбой қамиши кала олдида тиззасини қучоқлаб дарёви қиёфасида ўтирарди. С. Ахмад, Уфқ. Бечора она чидолмади, қабрни қучоқлаб увос тортди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**КУЧОҚЛАТМОҚ** кучоқламоқ *фл. орт. н.* *Болага коптукни қучоқлатиб қўймоқ.*

**КУЧОҚЛАШИШМОҚ** кучоқлашмоқ *фл. бирг. н.* *Икковлашиб қучоқлашиб ийғлайди. Ҳ. Шамс, Уруш. Иккиси ҳам чуқур самимият ва дўстлик ҳисси билан қучоқлашибди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**КУЧОҚЛАШМОҚ** кучоқламоқ *фл. бирг. н.* *Дўстлар қучоқлашиб хайрланди. Ҳ. Фулом, Машғал. Йўлчини қучоқлашиб базўр четга суришти. Ойбек, Қутлуғ қон. Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб қучоқлаша кетдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.*

◆ **Кучоқлашиб кўришади** бир-бирига жуда мос тушиди; бир-бирига жуда ҳам хил тушиди; йиғлаб кўришади.

**КУШ** Умуртқалиларнинг танаси пар ва патлар билан қопланган учинга лаёқатланган бир синфи; парранда. *Сув қушлари. Чўл қушлари. Урмон қушлари. Уй қушлари. Сайроқди қушлар. Куш уясида кўрганини қилади. Мақол. Қуш тилини қуш билади. Мақол. | Овга ўргатилган лочин, қарчиғай, бургут ва ш. к. йиртқич парранда зоти. Қушга кетган киши қушни олиб келди. Овчилар отланишди. А. Қаххор, Хотинлар.*

◆ **Одам юрса оёғи, куш учса қаноти** қуядиган жой жуда иссиқ, одам-

зод тоқат қилиб турулмайдиган иссиқ жой, чўли бёбон.

**ҚУШБЕГИ тар.** Амир ва хонлар саройида бош вазир ёки хуқуқи вазирга тенг бўлган йирик амалдор; ҳоким. *Қушбеги [бош вазир] ўрнидан туриб, супамадан тушиб келиб, арк дарвозасининг остонаси устида тик турди.* Айний, Эсдалиқлар. *Азизбек Тошкентдан жўнатилди. Унинг ўрнига Қўқондан Нормухаммад қушбеги белгиланиб келди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Қушбеги калон** бош шикор беги (сарой амалдори).

**ҚУШБОЗ** Ов қушлари ёки сайроқи қуш боқиш, парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши; қуш ишқивози. *Шу тўриқ отга Муродхонни миндириб, қанча сипоҳи беклар ҳамроҳ бўлиб, қушбозлар олғир қушларни қўларига қўндириб .. [йўлга тушди]. «Муродхон».*

**ҚУШБУРУН** Ўрта қисми сал кўтарилган ёки учи ички томонга сал қайрилган бурун. *Доро I баланд бўйли, қушбурун чиройли одам эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. | Шундай бурунли киши.

**ҚУШДАЙ,** **дек I** Қушга ўхшаш, қушга ўхшаб, қуш сингари. *У [Гулсум] шаҳарда қамбағал аёллар ўқийдиган мактаб борлиги, у ерда ўқиган аёллардан ажойиб одамлар етишяётганини эшитар, ўша ерга қушдай учиб кетгиси келар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Самолёт ўқ еган йиртқич қушдай бир қанотини осилтириб зўрғатдан учиб борарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Паға-паға таралар тутун, Қушдай сузиб борар паровоз.* Ё. Мирза.

**2** *қўлма* Жуда енгил. *Қушдай чемодан.* — Сидикжон эртасига қушдай бўлиб турди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚУШЖИДА** Жилданинг майда мевали ёввойи бир тури.

**ҚУШНОЧ I этн.** Саннаш, кўчирмачилик билан касал боқувчи табиб.

**2** Каромат қилувчи, фол боқувчи, фолбин.— *Аёл мардуми қушночу мулла зионга кўп илхосманд бўлур,— деди момо Аваза.* «Зулфизар билан Авазон».

**ҚУШТИЛИ** Юпқа хамирдан уч бурчак, тўрт бурчак ёки ромб шаклида кесиб ёгда пиширилган овқат. *Ўғилжон хола ошхонада зўр бериб қуштили пиширарди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ҚУШТОМОҚ** анат. Кекирдакнинг ютинганда ҳаракат қилиб кўриниб турадиган бўртиғи; кекирдак олмаси.

**ҚУШХОНА I** Уй қушлари боқиладиган хона, жой. *Орадан икки-уч соат ўтказиб, яна қайтиб қушхонга кирдим, сипоҳи қушлар ҳали ҳам ўтирган қўндогодан тушмай, овқатга терс қараб ўтирар эди.* Ф. Ғуллом, Шум бола.

**ҚУШХОНА II с. т.** Қушхона. *Қушхонада қон ялаб, Сизни кутар қассоблар.* Ҳамза.

**ҚУШЧА** қуш с. *кич. Тўймай ўйнар шўх қушчалар Тоза ҳавода.* Ғайратий.

**ҚУШЧИЛИК** Қуш, парранда боқиш ва етиштириш; паррандачилик.

**ҚУШҚАРОҚ** Чигиркининг ҳаракат узатувчи тишли қисми.

**ҚУШҚУНМАС** Майда тиканли ёввойи ўт.

**ҚУЮВ** қуймоқ *фл. иш оти. Металл қуюв. Қуюв цехи.*

**ҚУЮВЧИ** Эритилган металлни қолипларга қушиб деталь ёки буюм тайёрловчи ишчи, мутахассис.

**ҚУЮЛМОҚ I** Суви, суюқлик қисми камайиб, қуюқ холга келмоқ, қуюқлашмоқ. *Мастава қайнайвериб, қуюлиб кетибди. Мураббо анча қуюлиб қолибди.*

**2** Бир ерга кўп миқдорда йиғилмоқ, тўпланмоқ; йиғилиб, тўпланиб қалинлашмоқ. *Туман тобора қуюлмоқда.* — *Бу булутлар .. тобора қуюлиб, қорайиб бормоқда.* А. Мухтор, Опа-чингиллар.

**3** *қўлма* Ўзини тутиб, қўлга олиб оғир, вазинм бўлиб қолмоқ, енгилтақликдан қутулмоқ. *Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган.* Мақол. — *Техникумда ўқиб юрганимда [Алижон] кунига йўлимни тўсарди, ўлдим-қуйдим деб нақ ҳоли-жонимга қўймабди.* Қўнғилим-да, бола-чақалик бўлиб қуюлар деган эдим. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.— *Қанақа қилиқ бу? Қартайсанга ҳам қуюлмайсиз,— деб жержиб берди буюм.* Ҳ. Назир, Яхши исм.

**ҚУЮЛТИРМОҚ** қуюлмоқ **1, 2** *фл. орт. н.* Мураббони қайнатиб қуюлтирмоқ. *Мошхўрдани ун чалиб қуюлтирмоқ.* — *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳаммаёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи қуйлайди.* Лекин бу мусиқа жимжитликни бузмас, балки уни қуюлтирарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚУЮН I** Қаттиқ уюрмали шамол; уюрма, довул. *Осмон билан туташиб кетган қуюн ер бағрини қиртишлаб, хас-хашак борми, чанг-тўзон борми — ҳаммасини учуриб, айлана-айлана тобора кўкка интиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қоп-қора қуюн кўкка кўтарилди атрофга сап-сарик сағиз ташлади.* И. Раҳим, Тақдир. *Ҳозир тунми ёки кўкни тупроқ қуюнлари қоплаганидан шундай қоронғими — биллиб бўлмайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**2** Шиддатли ёғин; тўфон. *Тўсатдан дераза қоронғилишиб, чақмоқ чақди, момақалдироқ даҳшатли гулдиради.* *Қуюн қуя бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. *Кучли портлашдан сўнг қуюндай ўқ ёғдириб турган душман пулемётининг уни бирдан ўчди.* А. Раҳмат, Қаҳрамоннинг туғилиши.

**ҚУЮШҚОН** Эгар силжимаслиги учун отнинг думи остидан айлантириб эгарга бириктириладиган, кўпинча турли безаклар қадалган қайиш. *Отнинг эгар қоши тилладан, ёлга кумуш тангалар, қуюшқонига эса садафлар тақилган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Қуюшқондан ташқари** йўл қўйлиши мумкин бўлган, белгиланган чегарадан ташқари; белгиланган талаб, одоб-ахлоқ, норма ва ш. к. доирасига сифмайдиган; ноҳўя. *Қуюшқондан ташқари иш.* *Қуюшқондан ташқари чиқмоқ.* — *Ҳаққул ота энди ўйлаб-ўйлаб, ўзининг қуюшқондан ташқари ҳаракат қилганини сеза бошлади.* Ҳ. Назир, Сув гадоси. **Қуюшқондан чиқмоқ** чегарадан чиқмоқ. *Бу Улматалининг иззат нафсига теги:* «*Аъзамжон қуюшқондан чиқманг!*» [деди]. Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Қуюшқони тор келди** нима қилишини билмай қолди, дўпписи тор келди.— *Янгилик! Янгилик! — деди Юрьев қувониб.— Генерал Шмиттнинг қуюшқони тор келиб қолганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚУЮҚ I** Суюқ қисми, суви нисбатан оз бўлган, унчалик тез оқиб кетмайдиган. *Қуюқ қийм.* *Қуюқ қаймоқ.* — *Қилич чопан чеккадан Қуюқ қон сиртаг отар.* Ф. Ғуллом.

**2** Таркибидаги эриган модда нисбатан кўп. *Қуюқ чой.* *Қуюқ хлорли эритма.*

**3** Тўқ; тўққа мойил (ранг-тус ҳақида). *Бегимхон ғўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чиқариб, бобиллаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Холмуроднинг юзига қуюқ қизиллик югурди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чайланинг тепасида Темир қозиқ юлдузи қуюқ кўкка бўялган чиройли капалақдай қанот қоқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**4** Бир-бирига яқин жойлашган; қалин, зич. *Қуюқ қамшизор.* *Қуюқ соя.* *Барглари қуюқ қайрағоч.* *Қуюқ қора қош.* *Ёли қуюқ эшакдан яғир бўлган от яхши.* Мақол. — *Қайиқ қуюқ қамши орасига кириб йўқолди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг қуюқ жингала киприк остидаги тим қора кўзлари бир нуқтага тикилган.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**5** Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб қалин қатлам ҳосил қилган; нариги томонини кўриб бўлмайдиган, қалин. *Қуюқ туман.* — *Ер ёригидан бир бочка нефтга ўт кетгандай тим қора, қуюқ тутун осмонга ўрлаб чиқибди.* Ф. Ғуллом, Насриддин афанди ва шайтон алайҳиллаъна. *Уй ичини қуюқ қоронғилик босди.* *Ташқарида шамол ғувиллади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Улар кечки қўшининг қуюқ ёғдуси остида жимирлаган қишлоққа кириб келишар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**6** *қўлма* Тўкин-сочин, мўл, сероб. *Қуюқ дастурхон.* *Қуюқ зиёфат.* || *Қуюқ меҳмон қилмоқ.* — [Афанди] *савгани хонга манзур қилиб, қуюқ инъом олиб, ўрдадан чиқиб кетди.* «Латифалар». | *Такаллуф билан тўла, дил сўзларига бош; самимий.* *Қуюқ салом.* *Қуюқ сўхбат.* || *Қуюқ сўрашмоқ.* — *Ҳожи бобо хизмат ҳақларини учун .. тўрт сўм пул, унинг устига қуюқ дуо қиладиган бўлди.* Ф. Ғуллом,

Шум бола. Беқасам кийган, юпқа эгилиб турган тахтадеккина бу одам қуюқ саломлашиб, аҳволни гапира кетди. А. Мухтор, Опа-сингяллар.

7 кўча Мазмунга бой, сермазун. А. Қаҳҳор ортиқча сўз ва иборалар ишлатмасликка, асар тилини қуюқ, маъноли қилишга интилан. «Ўзбек совет адабиёти». || Гапнинг қуюғи с. т. гапнинг энг қизиқ, энг керакли ёки лўнда жойи. У [Ҳошимжон] «кейинги сўзга чиққанлар албатта менинг тарафимни олади» деб ўйлаган эди. Йўқ, гапнинг қуюғи кейин чиқди. С. Аҳмад, Қадрон далалар.

**ҚҮЮҚЛАШМОҚ** I Қуюқ тортмоқ, қуюқ ёки қуюқроқ бўлмоқ, қуюлмоқ. Мастава қайнайвери қуюқлашиб кетибди. Мураббо қуюқлашиб қолибди. Асал совуқда қуюқлашади.

2 Ўткирроқ, ачқирроқ бўлмоқ. Эритма қуюқлашиб кетибди.

3 Тўққа мойиллашмоқ, тўқ ёки тўқроқ тус олмақ. Барглarning ранги анча қуюқлашди.

4 Қалин тортмоқ, қалин ёки қалинроқ бўлмоқ, қалинлашмоқ, зичлашмоқ. Кунлар исган сари қўқатлар ҳам қуюқлашар, ўсиб улғайиб, чиройига чирой қўйшарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Поезд юришини тезлатган сайин оқ бадан қайинлар, азим қарағайлар қуюқлашиб, ям-яшил қалин ўрмонлар бошланди. Ҳ. Ғулум, Сенга интиламан.

5 Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб қалин қатлам ҳосил қилмоқ, нариги томонидаги нарсани кўриб бўлмайдиган ҳолга келмоқ, қалинлашмоқ. Туман қуюқлашди. Тутун тобора қуюқлашиб кўтарилмоқда. — Оқшом эълмати нафас сайин қуюқлашиб, баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устига тез ёйиб келмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. Эрталабдан бери кезган будутлар кеча томон қуюқлашиб, осмонни текис қоплади. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Қоронғилик, Гуанорнинг қайғуси каби, қуюқлаша борди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 кўча Тўкин-сочин, мўл ёки сероб бўлмоқ. Зиёфат қуюқлашди. | Такаллуф сўзлари билан тўлмоқ; яқинлик, самимийлик касб этмоқ. Уларнинг салом-алиқлари қуюқлашди. | Самимий тус олмақ ва қизғинлашмоқ. Суҳбат тобора қуюқлашди.

7 Чуқур мазмун касб этмоқ, чуқурлашмоқ. Хат фронтда улуг иш .. эскирган сари маъноси қуюқлашади. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ҚҮЮҚЛАШТИРМОҚ** қуюқлашмоқ I—5 фл. орт. н. Ун чалинса оёқтани қуюқлаштиради. Совуқ асални қуюқлаштиради. Салом-алиқни қуюқлаштирмоқ. Фикрни қуюқлаштирмоқ. — Узун қиш туни қора пардасини энди қуюқлаштирган бўлса ҳам, «Унсия»да улғувор, файзли, маъноли бир сукунат ҳукм суради. Ойбек, Навоий.

**ҚҮЮҚ-СУЮҚ** I Қуюқ ва суюқ овқат(лар). Меҳмонлар учун мева-чева,

қуюқ-суюқ тортилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча с. т. Бир хил бўлмаган, ҳар хил, турлича. У .. ўтирганлар билан, уларнинг амал ва даражаларига қараб, қуюқ-суюқ кўришиб чиқди. С. Аҳмад, Қадрон далалар.

**ҚҮ-ҚҮ** I тақл. с. Товуқ, мусича ва ш. к. қушларнинг узуқ-uzuқ товушлари ҳақида. Қайлардадир ғуррак овози, мусичанинг «қу-қу»си эшитилади. Ҳ. Шамс, Оқпадар.

2 бол. Қуш; товуқ. «Қу-қу» ушлаб берман деб, болани юпатмоқ.

**ҚҮҚУЛАМОҚ** «Қу-қу» деган овоз чиқармоқ (товуқ, мусича ва ш. к. қушлар ҳақида).

**ҚҮҚ-ҚҮҚ** айн. қу-қу.

**ҚҮБИЗ** Қўшқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўншаш чолғу асбоби. Қўбиз чалмоқ. — Мана тоғ ён бағирларида чалинган қўбизнинг нозик, ёқимли куйлари эшитилмоқда. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҚҮБИЗЧИ** Қўбиз чалувчи созанда. | Қўбиз чалиб дoston айтувчи бахши.

**ҚҮЗИ** I Қўйнинг ёшига етмаган боласи; умуман қўйнинг боласи. Унероқда, яшил тепа устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди. Ҳ. Ғулум, Машғал. Чирогим, сендан олдинги зоотехник ҳам худди шундай деб қўзиларни совлиқлардан ажраттирмаган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 (I-ш. эгалик ф-да) Болаларни эркалатиб мурожаат этиш формаси; қўзичоғим. — Кел, қўзим! — ҳар вақтдагича мулойим қарши олди чол. Ойбек, Қутлуғ қон. [Насиба:] Алла, алла .. Алла, қўзим, алла. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ҚҮЗИВОЙ**, қўзивой тарвуз Тарвузнинг йирик, ширин нави. Меҳринисо пайкал оралаб, битта қўзивой тарвуз кўтариб чиқди. С. Абдулла, Иқбол.

**ҚҮЗИДУМБА** Қалпоғи оқ кўнғир тусли, еса бўладиган қўзичорин.

**ҚҮЗИЛАМОҚ** I Туғмоқ, тўлламоқ (қўй ҳақида). Қўзилаган қўйларни парваршилади. Қўйлар қўзилайдиган пайт.

**ҚҮЗИЛАМОҚ** II Донадор ҳолга келмоқ; дона-дона, қумоқ-қумоқ бўлиб турмоқ. Қўзилаб турган тупроқ.

— [Аширмат] .. катта тарелкада қўзилаб турган олдиндай самимийни ўз олдига тортди. Ойбек, О. в. шабадалар. [Қовун] қарс ёрилиб кетди — этиш оппоқ, қўзилаб турипти, уруғи бўлса сап-сарик. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

**ҚҮЗИЛАТИЛМОҚ** қўзилатмоқ фл. мажх. н. Ҳамма совлиқ қўйлар қўзилатилади. Қўйлар қўзилатиладиган далалар чўпонлар бригадасига бириктириб қўйилди.

**ҚҮЗИЛАТМОҚ** қўзиламоқ I фл. орт. н. Қўйларни қўзилатиш. Қўзилатиш кампанияси.

**ҚҮЗИМОҚ** Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, қўзгамоқ, қайталамоқ, тутмоқ. Дарди қўзиди. Ғайрати қў-

зиди. — Тўқсоновнинг мерганлик ҳаваси қўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидан сочма милтиқни олди-да, типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мастликданми ё ҳақиқатан ҳам асоби қўзиб кетдимиз, ҳар ҳолда унинг қовоқлари пирпираб учиб, қўзлари олақула бўлиб кетди. Н. Фозилов, Оқим. [Ҳамида] қўл чўзса етундай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони қўзиб: «Этагидан торт» — деди Йўлдошга. С. Анорбоев, Меҳр.

**ҚҮЗИЧОҚ** I қўзи с. кичр.

2 Қўйнинг эмадиган боласи. [Тошқин] янги туғилган қўзичоқдай зўрга оёқ узра турган колхоз учун катта хавф туғдирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Оташ қўзли, Қўнғир юнгли қўзичоқсан, Майса узра иргишлайсан, ўйнайсан. З. Дийр.

3 (3-ш. эгалик ф-сида) Болаларга эркалатиб мурожаат этиш формаси. Сен хафа бўлсанг, мен ҳам хафа бўлман-да, қўзичоғим. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҚҮЗИКОРИН** Споралардан кўпаядиган, хлорофилсиз, тубан (тузилиши содда) замбуруғ ва унинг еса бўладиган бир тури. Биринчисига қўзичорин солинган картошка шўрва, .. учинчисига бир кружкадан сут тарқатди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚҮЗИҚҮЛОҚ** айн. шовул I.

**ҚҮЗОҚ** Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қовзоқ. Ловия қўзоғи.

**ҚҮЗҒАЛИШМОҚ** қўзғалмоқ 2—4, 6 фл. бирг. н. Меҳмонлар қўзғалишди. — Келинлар ўрин солиши учун қўзғалишди. Ойбек, Қутлуғ қон. Жанчилар ҳам яқбора ўринларидан қўзғалишдилар. Мумтоз, Машқ. Сафар бўзичининг ҳурмати учун лоақал қимир этмаган беклар ҳам мулла Абдурахмоннинг иштиқболига қўзғалишдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҚҮЗҒАЛМОҚ** I қўзгамоқ I, 2, 4 фл. ўзл. ва мажх. н. айн. қўзгамоқ I, 2, 4. Унинг эски дарди яна қўзғалди. Бу ҳақда яна гап қўзғалди. Масала қўзғалди. — Адолат буларнинг ҳаммасини бир-бир ўйларкан, қалбида Усмонжонга нисбатан илиқ бир ҳиснинг қўзғалганини сезиб, ўз хаёлидан ўзи уялиб кетди. С. Зуннунова, Ғулхан. Мен ҳам шуларга суқланиб қарадим. Орзу ҳисларим баттар қўзғалиб кетди. Ойдин, Фонарь тағида. Қўндан унутилган хотиралар яна қўзғалди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Ўрнидан турмоқ ёки силжимоқ. Саидий кетишга қўзғалганда Салимхондан бошқа ҳеч ким парво қилмади. А. Қаҳҳор, Сароб. Мулла Алимқул эшикдан кириб келган меҳмон билан кўришиши ва ўз тағидаги кўрпачадан жой бериш тарафдўдиди аста ўрнидан қўзғалди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Жўнамоқ, бирор ёққа бормоқ, кетмоқ. Бу ердан қўзғалма! — Унинг бу галги

Марғилон йўлига қўзғалиши ортиқча бир оғирлик билан, иккиланши билан ўралган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Совет розилигини олай туриб, полк қўзғалмайди. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Аҳмад Хусайн яна бир неча кун уйдан қўзғалмади. Унинг эрмаси ёлғиз китоблар бўлди. Ойбек, Нур қидириб.

3 Турган жойидан жилмоқ, силжи-моқ, сурилмоқ ёки силжитилмоқ. Стол ўрнидан қўзғалганга ўхшайди. Жавон жуда оғир экан, жойидан сира қўзғалмади. Поезд қўзғалди. — Десант ортилган паром қўзғалганда Днепр чайқалди. Н. Сафаров, Тилсимчилар. Машина қўзғалди, қўзғалди-ю, ўн-ўн беш қадам юрмасдан, бирдан эшиги очилди. А. Қахҳор, Тўйда аза.

4 Турган жойида тебранмоқ, силкинмоқ, қимирламоқ. Қўрбоши тиззаси устига кўндаланг қўйилган қиличининг икки тарафидан босиб бир қўзғалаб қўйди. А. Қодирий, Утган кунлар. Машҳадий қилкина гавдаси билан енгилгина қўзғалиб, .. бошини чайқайди. Ойбек, Навоий.

5 Бошланмоқ, кўтарилмоқ; ҳаракатга келмоқ. Пўртана қўзғалди. — Шамол қўзғалган, томлардаги, йўллардаги қорларни тўзитиб деворларга, деразаларга урар эди. А. Қахҳор, Са-роб.

6 кўча Бирор кимса, тузум ва ш. к.га қарши ҳаракатга келмоқ, исён, ғалаён қилмоқ. Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда қамбағаллар қўзғалиб, бойларнинг ғарамларига .. ўт .. қўйишар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ёвга қарши қўзғалади Москва, Шаҳар кеңаш тинчлик, ором бахридан, Ҳар ерда бор бир улугвор нишона Москва-нинг ғазабидан, қаҳридан. Х. Олим-жон.

7 махс. Бирор ҳаракат ёки таъсирга жавобан ҳаракатга келмоқ, ўз фаолиятини кўрсатмоқ. Одатда мускул нерв востасида қўзғалади.

**ҚҰЗҒАЛТИРМОҚ** қўзғалмоқ 1—4, 6, 7 фл. орт. н.

**ҚҰЗҒАЛУВЧАН** 1 Тез, осон қўзғаладиган, қўзғатиб бўладиган.

2 Бирор таъсирга жавобан тез ҳаракатга келадиган. Қўзғалувчан мушаклар.

**ҚҰЗҒАМОҚ** 1 Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, қўзимоқ, қайталамоқ, тутмоқ. Унинг касали қўзғади. Эски дарди қўзғаб қолди. Юрагида ғазаб қўзғади. Ҳайрати қўзғади. Асаби қўзғади. — [Она:] [Насибани] формада олиб бора кўрма, формани кўриб ЗАГС мудирининг жини қўзғамасин тагин! А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. Ғулможон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қўзғаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ, уйғотмоқ, туғдирмоқ; ҳаракатга, жўшга келтирмоқ; қўзғатмоқ. Бировнинг юрагида адоват қўзғамоқ. — Оқар

сувлар кўнғилда Беҳад севинч қўзғайди. Т. Тўла. Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, куёви Шералихонни ўлдирди. А. Қодирий, Утган кунлар. Бу манзара ўқдай санчилим, Ёв дилида қўзғади ғамни. Э. Раҳим.

3 кўча Янгиламоқ, тикламоқ, эсга солмоқ (унутилган дард, алам, яра ва ш. к. ҳақида). Жоним — дўстим, мени асло қўзғама, Биродар алашим кўпдир, сўрмагин! Эргаш шоир. Менинг дардим қўзғайберма, Оққизжон, Ошиқда бўлмайди манзил ҳам макон. «Равшан».

4 кўча Ўртага қўймоқ, ташламоқ, кўтариб чиқмоқ, бошламоқ; қовлаштирмоқ. Масала қўзғамоқ. Гални қўзғасанг гап чиқар. Мақол. — Жаноб уламолар! — деди Фозилзақ Азизулон тоқатсизланиб, беҳудати гапларни қўзғамокнинг асло ҳождати йўқ. Ойбек, Нур қидириб.

**ҚҰЗҒАТИЛМОҚ** қўзғатмоқ фл. мажх. н. Сейф аранг қўзғатилди.

**ҚҰЗҒАТМОҚ** қўзғамоқ фл. орт. н. Эски дардим қўзғатмоқ. Гап қўзғатмоқ. Жанжал қўзғатмоқ. — У кета-туриб, тракторни жойидан қўзғатмасликни қаттиқ тайинлади. Ж. Сейтназаров, Тиллахоннинг қувончи. Най садоси ҳаёлини ҳар қаёққа олиб кетар, аллақандай умид орзуларни қўзғатар эди. М. Алавия, Севинчларим.

**ҚҰЗҒОВЧИ** 1 қўзғамок фл. ш. оти.

2 Бирор ходисани юзага келтирувчи сабаб, омил. Касаллик қўзғовчи микроб.

**ҚҰЗҒОЛОН** Бирор ижтимоий тузум, ҳукмрон синф ва ш. к.га қарши кўтарилган оммавий ҳаракат; исён, ғалаён. Миллий озодлик қўзғолони. Куролли қўзғолон. Қўзғолон кўтармоқ. Қўзғолон қилмоқ. Қўзғолонни бостирмоқ. — [Йўлчи] оломон билан янги шаҳарга чиқиб, бош ҳоким маҳкамаси олдига қўзғолонни аъжлантиришни йўлаган эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚҰЗҒОЛОНЧИ** Қўзғолон қатнашчиси, иштирокчиси. Йўлчи Ҳадра томонга оқатган қўзғолончилар олдига тушиб .. чопа кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҚҰЙ** 1 Гушт, жун, сут ва мўйна олиш учун боқиладиган, жуфт туёқли сутэмизувчи уй ҳайвони. Думбали қўй. Думли қўй. Майин жунали қўй. Қорақўл қўйи. Ҳисор қўйи. От боққан улоққа, қўй боққан қўноққа. Мақол. Семиз қўйнинг умри калта. Мақол.

2 Мучал йил ҳисобида саккизинчи йил номи; гўспанд. Унинг йили — қўй. Қўй йили мучал йил ҳисобида саккизинчи йил (қ. мучал). Мен қўй йилида туғилганман.

◆ **Кўй кўз** 1) жигар ранг кўз. Эшоннинг безайраг қўй кўзлари муздек совуқ сояётганга ўхшайди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шундай кўзли киши. Қўй мижоз (ёки мижоз) с. т. юовш, мулойим, мўмин-қобил. Қутидордек қўй мижоз бир одамнинг бундай зўр

ишга аралашганлигига ақл бовар қилмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўй оғзидан чўп олмаган ҳеч кимга озор бермайдиган, жуда ҳам беозор. Биламан, минебоши менга ҳозирча эҳтиёт бўлиб, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган, жуда юовш ва содда қилиб кўрсатиб сўзляпти. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ҚҰЙБОШ** Қовун навларидан бирининг номи.

**ҚҰЙДИРМОҚ** қўймоқ 1—3, 7, 9, 10, 12, 14—18, 20—27 фл. орт. н. Қўшимча стул қўйдирмоқ. Тиш қўйдирмоқ. Ўртага киши қўйдирмоқ. Қўл қўйдирмоқ. — Дўсти афандининг олдига овқат қўйдирди. «Латифалар». Аммо [у] кундошини қўйдириб юборишга муваффақ бўлган эмас. Ойбек, Қутлуг қон. Асқар понсад .. эгаси қизил соқчилар билан кетган ҳамма уйларга ўт қўйдиритти. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ҚҰЙДИ-ЧИКДИ** с. т. Хотин қўйиш ва эрдан чиқиш, никоҳни бузиб бир-бирдан ажралиш. Эр-хотин қўйди-чикди бўлишибди. — Оилавий муносабатларни ҳал этишни ҳар бир кишининг ўзига ҳавола қилинса, менимча, қўйди-чикди ҳам, оиладаги нойрин аччиқ-аразлар ҳам йўқолган бўлур эди. С. Кароматов, Тоғ гўзали. [Сухсуров:] Хотиним хафа бўлса ҳам, қўйди-чикдига борсақ ҳам кечирмайман! А. Қахҳор, Тобутдан товўш.

**ҚҰЙИЛМОҚ** қўймоқ 1—7, 10, 12, 14—18, 20, 21, 23, 24, 27, 30 фл. мажх. н. Бурчакқа стол қўйилди. Деворга шоти қўйилди. Учоққа ўт қўйилди. Аризага қўл қўйилди. Тартибсизликка йўл қўйилмайди. Сурат деворга осиб қўйилди. — Курси устига дастурхон ёзилиб, меза-чева тўла патниче қўйилди. Ойбек, Қутлуг қон. Аризада сизга урта сиёсий айб қўйилди. Х. Гулом, Машғал. Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ҚҰЙИН** (3-ш. бирл. қўйни) 1 Қўкрак ва уни ёпиб турган кийим орасидаги жой. Дафтарларини қўйнига солди. Қўйнича тиқди. Қўйнида нони борнинг қорни тўқ. Мақол. — Бўтабой қўйнидаги газеталарни олиб отбоқарга берди. А. Қахҳор, Қўшчинор. [Ўста Олим] қўйнидан мактубларни чиқариб, биттасини қутидорга узатди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўйин дафтари чўнтакда олиб юриш учун мўлжалланган кичкина ёзув дафтари; чўнтак дафтар, ён дафтар. Шоир шошиб ёнидан қўйин дафтари билан қалам чиқарди. А. Қахҳор, Картина. Қўйин чўнтак кийимнинг кўкрак устидаги ички томонига тикилган чўнтак, кўкрак чўнтак. Райҳонбиби никоҳ қозғонини олиб қўйин чўнтагига суқди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўча Кучоқ, оғуш. Табиат қўйнида яйрамоқ. Она қўйнига кирмоқ. — Анзират холанинг қўйнида ётган бола тўсатдан қичқириб юборди.

А. Қаххор, Қўшчинор. *Ботирали деразадан сакраб чиқиб, бор қўйнига отилди.* Х. Фулом, Машғал. *Нормат блиндаж тепасига чиқиб, зулмат қўйнига қаради, диққат билан қулоқ солди.* И. Рахим, Чин мухаббат. *Қўйни пуч ёнғоққа тўлдирмоқ қ. ёнғоқ.*

**ҚҰЙИНГКИ** кириш с. Қўйингчи, борингчи.

**ҚҰЙИНГЧИ** кириш с. Қисқа қилиб айтганда, қисқаси, хуллас; борингчи. *У сиёх қалам билан жилвирлаш, ҳаллаш, қўйингчи, наққошлиқнинг энг майда элементларигача яхши ўрганиб олди.*

**ҚҰЙИШМОҚ** қўймоқ 1—3, 5, 7—10, 12—21, 23—27, 29, 30 фл. бирг. н. *Томларга пичан босиб қўйишипти.*

■ [Ўғрилор] юзбошини ғалати қилишипти: бир сандиқ тилласи бор экан, олиб чиқиб олдиға қўйишипти, «еганинеча егин, қолганини олиб кетамиз», дейишипти. А. Қаххор, Қўшчинор. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар қўғалди, бойларнинг ғарамларига .. ўт қўйишар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У очқўзлар бундан сўнг ҳам мени қўйишмайди, албатта.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚҰЙЛИ** Қўйи бўлган, қўйи бор. *Бобокул минг қўйли суруқни айланиб чиқиб, чайлага қайтганда, Махсум оёқларини йиғиб, бир қўлини болиш қилиб ётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚҰЙМОҚ** 1 Қўлдаги ёки умуман кўтариб олинган нарсага бирор жойга ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ. *Китобингни партасага қўй.* Елкангдаги қопни ерга қўй. ■ *Челакни шу ерга қўйинг Гулнор, сувни мен ўзим алтаман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Хасанали илжайган куйи қўлтиғидаги заррин чопонни олиб сандал устига қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Белгили ҳолатда, тартибда жойламоқ, жойлаштирмоқ. *Дастурхонга нон қўймоқ.* | Бирор жой ёки нарсага тираб, тақаб, қўндириб ўрнаштирмоқ, ўриятмоқ. *Бошига сават қўйиб юрмоқ.* ■ *Қарол араваинг орқасига кичкина шоти қўйиб, ўзи отни ушлаб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мастон юки оғир аравани тортиб бораётган отдай оёқларини тираб юқорига интилар, Турғуной эса энгашиб икки кафтини тиззасига қўйиб зўрға-зўрға қадам ташлар эди.* А. Қаххор, Мастон. *Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Фойдаланиш учун бирор нарса бермоқ. *Меҳмонга стул қўймоқ.* *Кампир болалар олдиға иссиқ нон ва қаймоқ қўйди.*

2 Қурмоқ, солмоқ. *Қалдирғоч айвонга ин қўйибди.* | Қуриладиган, ўрнатиладиган нарса ўрнини белгиламоқ, унга ўрин қолдирмоқ. *Уйнинг четиини шу томондан қўямиз. Мўрини қаердан қўясиз?* | Белгили жойга, ўринга ўриятмоқ, маҳкамламоқ; солмоқ. *Деразага ойна қўймоқ. Узукка кўз қўймоқ.*

3 Бирга, ёнида олиб кетмай, бирор жойда қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ. *У боласини боғчага қўйиб, ишга боради.* ■ [Ёрмат] *Йўлининг ҳозиргина қишлоқдан қайтиб, сингелисини хўжайиникига қўйиб, бу ера ҳангамалашини учун келганини билеач, йигитнинг кўнглини паршон қилишча ботинмай, анча вақтгача қийналди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Сақлаш учун бермоқ, топширмоқ. *Пулни омонат кассага қўймоқ.*

4 Қўлидан, кучоғидан, ихтиёри, тасарруфи ва ш. к.дан чиқармоқ, бўшатмоқ. *Қўр тутганини қўймаз, кар — эшитганини.* Мақол. ■ *Тўтиқиз шохни қўйиб юбориб, бўғотдан кўчага қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек Кумушини қўйиб, ердази аталани олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ўз ҳолича боқмоқ; ёйиб боқмоқ; ўтлатмоқ. *Молларни ўтлоққа қўйиб юбор.* ■ *Филбонлар уни ҳар кун эрталаб далага қўйиб юборишар эди.* «Латифалар».

6 Назардан, эътибордан, навбат ва ш. к.дан четда қолдирмоқ. *Бу масалани қўйиб турайлик-да, зарурроқ масалага ўтайлик.* ■ [Қудрат:] *Амалдорнинг ўзи ким? У боини қўйиб, камбағални ёқлармиди? Н. Сафаров, Уйғониш.* *Тапнинг бу томонини қўяверинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

7 Никоҳни бекор қилиб, хотиндан ажралоқ, хотинини талоқ қилмоқ. *Шундоқ хотинни қўйиб юборгансиз-а, афандихон. Сиз ҳам бир кунмас-бир кун шу хотиннинг уволига қоласиз.* С. Аҳмад, Хукм. *Ўғлини олдинга олсанг-да, ундан сўрасанг, «қайси хотининг билан бўлишни хоҳлайсан? Хоҳламаганинени қўй!» — деб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун имкон, йўл, эрк бермоқ, рухсат қилмоқ. — *Ўз қилмишингиздан гапиринг!* — *Ахир ишманг, айтгунча қўясизми, йўқми?* А. Қаххор, Мунофиқ. *Дўсти .. афандини овқат егани қўймасдан, уст-ма-уст савол бера бошлади.* «Латифалар». — *Зайнабиса, — деди [Кумуш], Зайнаб қаради, — бу кишини ташқарига чиқиб ётишга қўйманг, тузукми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ким қўйибди жўналиш келишигидаги кишилик олмошлари ёки шахс ифодаловчи сўзлар билан қўлланганда «йўл бўлсин», «қаёқда» маъноларини ифодалайди.* [Нури:] *Мен унинг қўзини ўйиб олай, ошиқ-маъшуқликни унга ким қўйибди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **От қўймоқ атамоқ.** **Оғиз очгани қўймайди** гапиритишга имкон бермайди, гапиртирмайди. *Ўзига қўйиб бермоқ* ҳеч аралашмай, бутунлай ўзига ташлаб қўймоқ. **Ўз ихтиёрига** (ёки **эркига, майлига**) **қўймоқ** ихтиёрини ўзига бермоқ, ўзига ташламоқ. *Ўз эркига қўйинг, ортиқ зўрламанг, Эрка кўнгли эрк боғида яйрасин.* Ғайратий. [Отабек] *отнинг бошини ўз ихтиёрига қўй-*

*ган, илгаригидек юрак ошиқишлари ичида отни тез юришга қистамай .. кета берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўймай ёки кўярда қўймай** тинчлик бермасдан, қистаб, мажбур қилиб. *Қўймай кинога олиб бормоқ.* ■ *Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

9 Ўстирмоқ (соч, соқол, тирноқ ва ш. к. ҳақида). *Соч қўймоқ. Соқол қўймоқ. Тирноқ қўймоқ.* ■ *Эшикнинг бир тавақаси ғийқиллаб очилди. Кўнгуз нусха мўйлов қўйган қора қош бир кишининг боши кўринди.* С. Аҳмад, Хукм. *Ҳар йили Май байрамида ясан-тусан қилиб, гажак қўйиб, грузовойда Бешариққа тушадиган Шоварди қизлари байрам кунларини ҳам эркалар билан баббаравар кетмон уриб далада ўтказишди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

10 Йўлини очиб бирор томонга, нарсага йўналтирмоқ, юбормоқ (сув, газ, буғ ва ш. к. ҳақида). *Экинларга сув қўймоқ.*

11 (фақат буйруқ майлида) Тарк этмоқ, ташламоқ, тўхтатмоқ, барҳам бермоқ, йиғиштирмоқ. *Қўйинг шундай гапларни! Тўйга борсанг, тўйиб бор, ёмонлигини қўйиб бор!* Мақол. *Ёз ёпинчиғинени қўйма, қиш — ўзинг биласан.* Мақол. ■ *Жинилишинени қўй, Мутал ака!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

12 Белгиламоқ, аниқламоқ (баҳо, нарх ва ш. к. ҳақида). *Баҳо қўймоқ. Диагноз қўймоқ. Арзон нарх қўймоқ.* ■ *Аъло ўқисам ҳам, ўқитувчимиз «яхши» қўйди.* А. Қаххор, Айб кимда. | *Номламоқ, ном, лақаб ва ш. к. бермоқ.* *От қўймоқ. Сарлавҳа қўймоқ.* ■ *Қолхозимиз номини «Ленин» қўймоқликни сўрар эдим.* Ғ. Фулом, Қўкан. *Нега бунга Читтак, деб лақаб қўйдиларинг?* А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

13 .. деб билмоқ, ҳисобламоқ, фаҳмламоқ. *Ўзини юқори қўймоқ.* ■ *Отабек Уста Олимни жуда юқори даражага қўйгандек, унинг мажлиси билан ҳам анча енгиллашар, .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир қаторга қўймоқ** тенг, барабар деб ҳисобламоқ, тенглаштирмоқ. *Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган.* А. Қаххор, Адабиёт муаллими.

14 Қўйма Юкламоқ, ортмоқ. *Бировга айб қўймоқ.* ■ *Ғаффоржоннинг феъли маълум бўлгани учун кўп киши айбни Умрига қўйиб юрар эди.* А. Қаххор, Хотинлар.

15 Бирор иш, вазифа топшириб юбормоқ; бирор ишга тайинламоқ, белгиламоқ. *Навбатчи қўймоқ.* *Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар.* Мақол. ■ *Шу йигит мени олиб келиб МТСга қарашли мойхонага қўйди.* А. Қаххор, Қўшчинор. | *Қаратмоқ, йўналтирмоқ.* *Бу одам Эҳсон келган кундан унинг дардини билди: бу йигит*



алми мамлакат хизматига қўймоқчи. А. Қаххор, Сароб.

16 Бировни воситачи қилиб юбормоқ, вакил қилмоқ. Қизга совчи қўймоқ. — Бир кун ҳалиги судхўр мени бир савдогар ўртоғига сўратиб одам қўйипти. Ғ. Расул, Адолат. [Подшо] «Қизимни ўшанга бераман, халойиққа жарчи қўйинлар», — деди. «Эртақлар». Шу қишдан қолдирма, ўртага, албатта, бой тоғангни қўй. Ойбек, Қутлуғ қон.

17 Бирор нарсани ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ. Патефон қўймоқ. Радио қўймоқ. Телевизор қўймоқ. Душман шаҳарга тўп қўйди. Ёв келмасига миша қўймоқ. — [Йўлчи] катта ҳовлига терс бўлган камгак-панароқ жойда самовар қўйиши, ўтин ёриши билан машғул бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Имкон борича ишга солмоқ, чиқармоқ (овоз ҳақида). У ашулани «Қўча боғ»дан бошлади, овозини баралла қўйиб .. зўр илҳом билан айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Али бор товушини қўйиб ашула қилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

18 Намойиш қилмоқ, кўрсатмоқ. Қино қўймоқ. Концерт қўймоқ. Тошоша қўймоқ. — Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда [мақтаб саҳнида] картина қўйиб берар эди. А. Қаххор, Асрор бобо.

19 Кейинга қолдирмоқ, кечиктирмоқ, орқага сурмоқ; сақламоқ. У сутнинг ярмини укасига қўйди. Сигир емдан нишхўрт ҳам қўйлабди. Бугунги ишни эртага қўйма! Мақол. — [Сидиқжон] тўғон бошига боришни эртага қўйиб, кунни шу ерда ўтказди. А. Қаххор, Қўшчинор. Ўзимизнинг Маллавоё ака бир ўтираанда битта қўйни калала-почаси билан еб, терисини нонутигага қўяди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Омонлик бермоқ, омон қолдирмоқ. Бу шўронинг расми шудир; Бой билан золимни қўймас. Эрташ шоир. Худонинг бемаза ишлари кўп бўлади. Қаранглар, дарахтларимда битта япроқ қўймасдан, барини кўкка учирди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ғиждувон беқлигида ҳаромзодаларни битта ҳам қўйманг. Жўрабобев, Мулла Б. м.

20 Мухокама, мунозара ва ш. к. учун тақдим, таклиф қилмоқ. Шоир қўймоқ. Масалани кун тартибига қўймоқ. — У яна Ойқиз олдига қатор-қатор сўроқлар қўйиб, ўқишга боришни қувватлагани учун чин дилдан ташаккур баён қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

21 Суртмоқ, суркамоқ. Қошга ўсма қўймоқ. Ярағи дори қўймоқ. Йод қўймоқ. Хана қўймоқ. — Сурма қўймай мунча ҳам, жонон, қародир кўзларинг. Муқимий. Пешананга бахт битган экан, болам. Бўйи бўйинига тенг, қоши-кўзи сурма қўйгандек қоп-қора. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бирор нарса суркаб, бўяб ясамоқ. Хол қўймоқ.

22 с. т. Зарб билан урмоқ, туширмоқ, солмоқ. Шапақлак қўймоқ. Мушт қўймоқ.

23 Қўриб ёки ўқиб чиққанлигини бирор белги билан ифодаламоқ. Белги қўймоқ. Сўроқ аломати қўймоқ. Икки нуқта қўймоқ. Иншога баҳо қўймоқ. Қўл қўймоқ.

24 Баъзи сифатлар билан бирикиб, улардан англашилган ҳолатга туширмоқ, шу ҳолатда «қолдирмоқ» маъноларини ифодалайди. Бировни ёлғиз қўймоқ. Тинч қўймоқ. Бўйи қўймоқ. Эркин қўймоқ. Холи қўймоқ. — Мана Йўлчибой. Тоғни урса талқон қиладиган ишит. Қизимизни очлангоч қўймасди. Ойбек, Қутлуғ қон.

25 (ж. к. билан) Дучор қилмоқ, йўлтирмоқ, қолдирмоқ. Ташишга қўймоқ. Уятга қўймоқ. Хижолатга қўймоқ. — Ўзим бир балодан зўрга қутилдим-у, домла мени яна балога қўймоқчи. А. Қаххор, Сароб.

26 (ч. к. билан) Бирор иш-ҳаракатдан қолдирмоқ. Йўлдан қўймоқ. Машқдан қўймоқ. Чўмилишдан қўймоқ. Ўйиндан қўймоқ. — Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, у икки-уч минутда воқеани сўзлаб берди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ёш қизни оланинг бир сари, энди бунни ўқишдан қўйиб, курортга олиб кетётганинг нимаси? А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

27 Баъзи отларга бирикиб, улардан англашилган маънога боғли, қўшма феъл ҳосил қиладди, мас. бино қўймоқ, ихлос қўймоқ, йўл қўймоқ, кўнғил қўймоқ, меҳр қўймоқ, танда қўймоқ, шарт қўймоқ, ўт қўймоқ, қадам қўймоқ.

28 Бирор феълдан кейин шу феъл формасида тақровланиб, биринчи феълдан англашилган ҳаракатнинг содир бўлишини таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қиладди, мас. бола ўхлади-қўйди. — [Мутал:] Баланд бўлса, зарари йўқ, осони ўзининг таъидан тешамиз-қўямиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ундай бўлса биронга одамни [шаҳарга] туширинг-у, олдириб чиқинг-қўйинг-да. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қанизак уни уйғотгани кўнғил бўлмай, устига кўрпа ташлади-қўйди. А. Қаххор, Қўшчинор.

29 Бўлишсиз феълдан кейин бўлишсиз формада келиб, биринчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилимай қолмаслигини билдиради. Қани шунга жазо берманглар-чи, Охунбобоевнинг олдиларига бораман, бу ишининг таъига етмай қўймайман. С. Аҳмад, Ҳукм. Мажлисларда, хусусий суҳбатларда қоридан сўз очган ҳар бир киши «Қанизак билан Сидиқжон можаросини айтмасдан қўймас эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Бу чечак қирлари бағрида сузиб борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

30 «(и)б, «а/»й аффиксли равишдошларга бирикиб, кўмакчи феъл сифатида ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради, мас. ағдариб қўймоқ, бой бериб қўймоқ, олиб қўймоқ, супуриб қўймоқ, элиб қўймоқ, ўзини йўқотиб

қўймоқ, қулиб қўймоқ. — Уста Баҳром томоғини қириб, секин йўталиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йўлакда турган Ўзбек ойил дарвозадан мўралаб қўйди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эреши ишни чатоқ қилиб қўйди-да. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Шу позицияда иш-ҳаракат ёки воқеани тўсатдан, қутилмаганда юз берганини билдиради, мас. айтиб қўймоқ, билдириб қўймоқ.

◆ Бир ёстиққа бош қўймоқ қ. ёстик. Юзига оёқ қўймоқ қ. оёқ I. Бўйнига қўймоқ қ. бўйни I. Гапни (ёки маслаҳатни) бир жойга қўймоқ қ. гап I. Отимни бошқа қўяман қ. от II I. Тишини-тишига қўймоқ қ. тиш I. Ўзини қаерга қўйишни билмай нима қиларини билмай, қаттиқ изтироб чекиб, тоқатсизланиб. Қўйинг, йиғламанг. Амакинғизнинг феъли ўзингизга маълум. Сизни эслаганда ўзини қаёққа қўйишни билмай хуноб бўлиб юреувчи эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўзини қўйгани жой тополмай айн. ўзини қаерга қўйишни билмай. Ғулумжон ҳокимни қутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати кўзгаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўзини қўймоқ эркинлик ҳис этиб, яйраб-ёзилиб тез ўсмоқ, ривожланмоқ, тўлишмоқ. Ҳали совуқдан қисилиб-бузмайган савдалар энди ўзини қўйди, яйради. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳоли-жонига қўймай (ёки қўймасдан) қ. ҳол-жон.

ҚҰЙПЕЧАК Печакгулларга мансуб, суғориладиган ерларда, адирларда ўсадиган, қўй-мол ейдиган бир йиллик ёввойи чирмовиқ ўт.

ҚҰЙТИКАН(АК) Чўл, адирларда ўсадиган бир йиллик заҳарли ёввойи ўт.

ҚҰЙФУРУШ Қўй олиб-сотувчи савдогар, қўй жаллоб. Бозор қасод, .. қўйфуруши, асп жаллоб, молфурушлар бўлса чўнтағига қўл урмайди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚҰЙХОНА Қўй боқиш учун белгиланган бино, жой; кўра.

ҚҰЙЧИ I Қўй асраб кўпайтириш ва қўй савдоси билан шуғулланган бой. Қарқарага қатновчи бир қўйчи бой [Ўрози] йилига сажкиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 с. т. Қўй боқувчи чўпон; қўйчивон.

ҚҰЙЧИВОН I айн. қўйчи. Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар. Мақол. — Биз томонда қўйчивон бойлар кўп. Бирортаси билан келишиб қўйларни боқамиз,— деди Абдуназарга Мардон. М. Осим, Элчлар. Қўйчивон ит қўйларни қўриқлашга ўргатилган ит.

2 Қўйчилик соҳасида ишловчи, қўй боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи чорвадор.

ҚҰЙЧИЛИК I қўйчи с. қасб оти.

2 Қишлоқ хўжалигининг қўй боқиш

ва кўпайтириш билан шугулланувчи тармоғи. *Кўйчиликни ривожлантириш. Кўйчилик фермаси. Кўйчилик мутахассиси. Кўйчилик районлари.*

**КЎЛ 1** Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, авзоси. *Нозик кўллар. Бақувват кўллар. Ун кўлим оғриятти. Кўлини олдинга чўзмоқ. Икки кўлни юқори кўтармоқ. Кўлларини кўксига кўймоқ. Кўлда (кўл билан) тикилган иш. Ишни кўлдан чиқармоқ. Кўл кучи. Ҳозир кўлим банд, бош қашигани ҳам қўлим тегмайди. || Кўл соат. Кўл арра. — Айўли .. иккинчи кўли билан Қора Аҳмаднинг бир кўлини орқага қайирди. Ойбек, Кутлуг қон. | Шу авзонинг билакдан бармоқлар учига бўлган қисми; панжа. Кўл билан силамоқ. Кўл билан ушламоқ. — Уртада давра қуриб, бир тўда йигитлар ўтиради. Аксарининг кўлида бедана. Ойбек, Кутлуг қон. Айўлдош орқадан аста келиб, Эмуруднинг кўзини икки кўли билан бекитди. Шўҳрат, Шинелли йиллар. Қози домла кўлларишни ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Мен бу мол-дунёни, ер-сувни кўлим билан топган эмасман, ақлим билан топганман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Отабек билан бирга Тошкент тушиб, ўз кўллари билан тўйимизни ўтказишинизга ишониб Юсуфбек ҳожиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўли гул қ. гул I. Қадок кўл ёки кўли қадок қ. қадок II. Кўл ёзма кўлда ёзилган. Кўл ёзма асар. Китобнинг кўл ёзмаси.*

**2 с. т.** Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Кўйнинг кўли ва сони. Кўл еғишти.*

**3 с. т.** Бармоқ. *Урта кўл. Беш кўл баравар эмас. Мақол. Икки кўлни бурнига суқиб (ёки тикиб) қ. бурун I. Урта кўл топар бир кўлнинг жуфтланган бармоқларини иккинчи кўл билан бекитиб ўрта бармоқни топиш (ўйини).*

**4** Ҳар кимнинг ўзига хос ёзув усули, услуби, ёзуви, хати. *Кутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли кўлни дарров пайқаб олди: — Виждонсиз, иблис, деб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Низомиддинов:] Хат билмайдиган оғзаки гувоҳлар ҳам бор, ёзиб берай десам, ҳамма аризалар бир одамнинг кўли билан ёзилган, деган шубҳа бўлмасин деб. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**5** Қишининг ўз кўли билан ёзган исми ёки фамилияси; имзо. *Хўжабекков — раис, Саидғози .. бир кичкина одам .. Барча хўжжатларда Хўжабековнинг кўли. С. Анорбоев, Оқсой. Ақтага кўл кўймоқ. Шартномага кўл кўймоқ. — Омборчи: «Бўта кўл кўймаган қоғозни қоғоз демайман», — деб катта кетворди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**6** Ҳар кимнинг ўзига хос иш усули, услуби, иши, хатги-ҳаракати. *Бу ишда унинг кўли бор. — Ахир ўғил уйлантириб, келинли бўлдингиз, янги келин-*

*нинг кўлини кўрсатай ҳам демайсиз!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ховлини ўраб турган деворлар ҳам янгидан урилган, ичкаришдан ҳаммаси ганч билан сувалган. Ҳамма ёқда акасининг кўли кўрилади. Х. Аҳмар, Ким ҳақ? [Гантубойвачча:] Тўғриси, деҳқончиликка сира тушунмайман. Мана шу чўлоққа ишонман. Чўлоқ бўлса ҳам кўли баракали. Экинчи ҳар йили ҳам чакки бўлмайди, шундайми? Қамбар? Ойбек, Кутлуг қон.*

**7** кўчма Ихтиёр, изм. *Инқилоб бўлиб завод кўлдан кетадиган бўлганда, Азимбойвачча ҳам оқсоқолнинг ишини қилди, яъни заводга ўт қўйди. С. Аҳмад, Ҳукм. Кўл остиде қарамоғида; раҳбарлигида. Яхши бир коммунист проффессорининг кўл остиде ишлади. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.*

**8** кўчма Имкон, имконият. *Сен билан доимо ёруғ кўлимиз, Сен билан кўлларга етар кўлимиз. А. Пўлат. Хотини ўз қишлоғига — эликбошининг кўли етмайдиган Найманга кетган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўли баланд қ. баланд. Кўли паст қ. паст. Кўли узун ҳар қандай ишга кучи-қудрати етадиган. Унинг кўли узун эди, давлатнинг бир қисмини дадасидан, укасидан яширин ишлашиб холис ўзига қарашли катта бир бойлик ортидирган эди. Ойбек, Кутлуг қон. Кўли калта (ёки қисқа) имконияти оз ёки чекланган, қурби етмайдиган. [Дадажон ака:] Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга кўлимиз калта экан. И. Раҳим, Ихлос. Кўлидан келади бирор ишни амалга ошириш учун имконияти, ҳуқуқи бор, кучи-қуввати етади, бирор ишни қила, бажара олади. У [Нури] жуда дадил ва айёр қиз. Унинг кўлидан ҳар қандай иш келади. Ойбек, Кутлуг қон.*

**9** 3-ш. эгалик ва ж. к., ў. п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. кўлига, кўлида).

◆ **Ёлғиз** (ёки **якка**) кўл қ. ёлғиз. **Чап** (ёки **сўл**) кўл чап томон; чап, сўл. **Чап кўлга юрмоқ. Чап кўлдаги кўча. Ўнг кўл 1)** ўнг томон; ўнг. **Ўнг кўлга бурилмоқ. Ўнг кўлдаги уй. Ўнг кўлдан машина келиб қолди. — «Қаёққа юрамиз», — деди Сидиқжон қайрилиб унинг кўзига қараб. — «Ўнг кўлга», — деди хотин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2)** энг яқин ёрдамчи. *Бу киши Азизбекнинг амири лашкари ва ўнг кўли бўлган Райимбек додхо эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаром кўл бирорнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, нопок (одам ҳақида). Қаердаки ҳаром кўл бор, у ерда баракат йўқ. Ойбек, О. в. шабадалар. Кўл учуда ёки кўл учи билан 1) истар-истамас, хафсаласизлик билан. *Доктор уни кўл учудагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2)* шунчаки, юзаки. *Кўл учуда сўрашмоқ. — У [Холмат] Тўрахоновдан ҳақиқий ёрдам кутган .. Фақат баландпарвоз сўзлар эшитди ва пала-партиши, [тў-**

*ғонни] кўл учуда қуришга даъват қилинди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин; 3)* қийинчилик билан, зўрға, аранг. *Бу қандай гап ахир, ўзим кўл учуда тирикчилик қиламан-у, сенинг учун шу кунимдан ҳам айрилайми? Х. Шамс, Оқпадар. Кўли очик ёки очик кўл* ҳеч нарсага аямайдиган, сарий. *Кўли очикнинг йўли очик. Мақол. Кўли эгри ўғри. Кўл бермоқ* бировга ихлос кўймоқ, уни пир деб танимоқ. *Вир кун Марғилондан бир эшон келди. Бойимиз ишга кишига кўл берган экан, яъни ўша кишининг мурбиди экан. И. Раҳим, Ихлос. Кўли бормайди* истаги, хохиши йўқ; ҳафсаласи йўқ. *Тутни кесишга кўлим бормаяпти. — Мол кетди — жон кетди, ишга ҳам кўлим бормайди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Кўл келмоқ* қўлай, мос, мувофиқ келмоқ. *Ерни бегона ўтлардан тозалашда кўл келадиган асбоб. — Далабоқ қаттиқ тринкадан беш-олти метр олмаган. Уларга жудаям кўл келади. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Кўл кўтармоқ 1)* розилик, хохиш ёки овоз бериш ишораси сифатида кўлни елкадан юқорига тик кўтармоқ. *«Қимда ким Нуъмон ҳожиди Қаландаров .. бу ердан бадарга қилинсин деса, кўлини кўтарсин». Ҳамма баравар кўл кўтарди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2)* таслим бўлмоқ. *Қуришга олинган душман қисмлари қаршиликни тўхтатиб кўл кўтардилар; 3)* кўчма бировга қарши оёқланмоқ, зарба беришга, йўқ қилишга уринмоқ. *Нега соҳибкорга кўл кўтардингиз? Қушинингиз қаерга кўйишини билмаяпсанми? Ж. Шарипов, Хоразм. Кўл силтамоқ қ. силтамоқ. Кўнглига (ёки юрагига, кўксига, қўлтигига, кўйнига) кўл солиб кўрмоқ* бирорнинг фикрини ёки ички сирини билишга уринмоқ, шу мақсадда гапга солмоқ. *Ўқтам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига кўл солмоқчи бўлди. Ойбек, О. в. шабадалар. Кўл тегизмоқ (ёки урмоқ) 1)* бирор нарсадан олмоқ, фойдаланмоқ, истеъмол қилмоқ. *Овқатга ҳеч ким кўл урмади; 2)* бирор ишга киришмоқ, тутинмоқ, уринмоқ. *У [Муҳаммад] қайси ишга кўл урса, уни уудалай олар .. эди. М. Осим, Сеҳрли сўз. Кўл ушлашиб (ёки тутишиб) ўзаро бирлашиб, ахиллик билан. Кўл ушлашиб ҳаммамиз. Бўлайлик саф-саф. И. Муслим. Кўл ювмоқ айн. кўлни (ювиб) кўлтиққа тикмоқ (ёки урмоқ). Кўли қичиди қ. қичимоқ. Кўлга олмоқ 1)* пора бериш, алдаш ва ш. к. йўллар билан ўзига мойил қилмоқ. *Хумпарнинг оғзи-бурнини мойил кўлга олиб бўлмасмикин? П. Турсун, Ўқитувчи; 2)* ушлаб, тутиб олмоқ, асир олмоқ, банди қилмоқ, қамamoқ. *Мухторхонни Афғонистон ҳазарасидаги ГПУ кўлга олибди. А. Қаҳҳор, Сароб; 3)* жиловланмоқ, бўйсундириш; 4) ўзига қаратмоқ, ўз ихтиёрига ўтказмоқ, кўлга киритмоқ. [Қамбағалларнинг] эккан-тикканларини Кўлга олган Қосимбек.

Ғайратий. Қўлга тушмоқ 1) айби ошкор бўлиб тутилмоқ. Гап тарқади, биров тилмоқ Ҳоким тўранинг хотини билан қўлга тушиб қопти, деса, яна биров тилмоқ Ҳоким тўранинг қоровули билан қўлга тушиб қопти, даяр эди. С. Ахмад, Хукм; 2) қамоққа, хибсага тушмоқ ёки асирликка олинмоқ. Қочиб ерга кирса — қулоғидан тортиб чиқараман, қочиб осмонга чиқса, оёғидан тортиб тушираман! Кани, қўлимга тушмас экан-а! М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) фириб емоқ. Қўлга тушибсан, сени роса лақиллатишибди. Гаҳ деса (ёки деганда) қўлга кўнладиган қилиб олмоқ қ. гаҳ. Оёғи олти(та), қўли етти(та) қ. оёқ. Оёғини қўлига олиб қ. оёқ 1. Беш қўлини озгига урмоқ (ёки тикмоқ) қ. беш 1. Қўлни бигиз қилмоқ айн. бармоқни бигиз қилмоқ қ. бармоқ 1. Қўлини совуқ сувга урмайди ҳеч иш қилмайди. Нусратилла рўзғорда қўлини совуқ сувга урмайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қўлни ювиб қўлтиққа тикмоқ (ёки урмоқ) бирор нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, ихлоси қайтиб уни тарк этмоқ, ундан юз ўгирмоқ, воз кечмоқ, қайтмоқ. Баъзилари ғайратлари берорга кетаётганини кўриб, қўлларини қўлтиққа урдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Қўлни қўлга бермоқ бирор соҳада аҳил, иттифоқ бўлмоқ, ўзаро бирлашмоқ. Қўлни қўлга бериб ишламоқ. — Қадрдон далалар, меҳнат тонгида қўлни қўлга беради икки бахтли ёш. Ғайратий.

**ҚУЛАНСА** 1 Ёқимсиз ҳид тарқатадиган; сассиқ, бадбўй. Қўланса ҳид. — Мингбоши ятак барларини очиб ташлаб, елпина бошлади. Семиз баданидан қўланса тер ҳиди анқир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устима кўрпача ёпди. Кўрпачадан зах ҳиди билан ошпаирининг қўлансаси димоққа урди. Ойбек, Қутлур қон.

2 кўчма Гапи, муомаласи совуқ, қўпол; ёқимсиз. Мунча ҳам қўланса одам экансиз. Дўқни қаранг-а! Б. Рахмонов, Юрак сирларни.

**ҚУЛАНСИМОҚ** Қўланса ҳид тарқатмоқ, сасимоқ. Ҳар хил миллат матрослари .. ишратхоналар сассиғи билан қўлансиб ётган Истамбулда кун сайин розолат тубига чўкиб борарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚУЛАНТАЁҚ** рви Оёққа пайтава ўрамасдан ёки пайпоқ киймасдан. У шошилиб этигиңи қўлантаёқ кийиб чиққан экан.

**ҚУЎБОЛА** 1 Ҳафсала билан тайёрланган, пиширилган. Эртага нима бўлишини қаяқдан биламиз, аммо ҳозир қўўбола палов бизга маҳтал. М. Мухамедов, Одерга.

2 Уйда, қўлда қилинган, тайёрланган; хонаки. Махсус тегирмон паррага қўўбола динамосини қўндириб ундан чойхона сўрисиға, Ленин бурчагиға, чинор шохига сим тортиб лампочка илди. С. Ахмад, Хукм. Омон билан ме-

нинг қўлимга узун дастали, баракалигина, нўғой қошиққа қараганда икки баравар «юк» кўтарадиган, қўўбола ёғоч қошиқ тўғри келиб қолибди. Ғ. Ғулум, Шум бола. | Уз қўли билан етиштирилган. Четроққа чиқиб, тут тўнак тепасида тунука қўтичадаги қўўбола тамакидан йўғон-йўғон ўраб тутангач, Марайим салмоқлаб гапга тушди. С. Абдулла, Уртоқ Холназаров.

**ҚУЎБОҒ** Болани бешикка белашда икки қўлини ёнига қилиб, билакларни ва қорни устидан тортиб боғланадиган энли боғич. Қўўбоғларим тортасан эгич, Қон юришмас жисмида ҳеч, Қолдим қуриб худди хивич, Қурсин бешик, инга-инга. «Муштум», 1961, № 90.

**ҚУЎДОШ** 1 Ҳар ишда бирга бўлувчи, ёрдам қўлини чўзувчи; кўмақдош. Яхши билан бўлсанг йўлдош, оғир ишингга қўлдош. Мақол. — Бу ерда унинг қўлдошлари Онахон, Ҳожиахон, Рувзон хола сингари кўмақчилари бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қўлдош (эркалар исми). **ҚУЎЎЗМА** (тўғриси қўў ёзма) қ. қў 1.

**ҚУЎЛИГА** кўм. вазифасида Ихтиёрига, измига. [Қумуш] бу уйдан чиқиб кетишини, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлига топшириб қўйишини яна мувофиқ кўрмас. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚУЎЛИДА** кўм. вазифасида Ихтиёрида, измида. Қиши ҳурмати ўз қўлида. Мақол. — Агарда хон кўтарши менинг қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚУЎЛАБ** 1 қўўламоқ фл. рвйиди. Эллиқбоши .. дўстимни қандай қўўлаб юборишини билмай турганда, булар жонига Фосиҳ афанди ора кирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 рви Қўлини ишга солиб, қўли билан. Мақсуда лампани кўтариб уйга кирди-да, қоziққа илиғлиқ турган камзулининг чўнтагидан буклоғлик хатни олиб, бир қўўлаб силтади. С. Зуннунова, Олов. **Икки** (ёки кўш) **қўўлаб** 1) иккала қўлини ҳам ишга солиб, икки қўли билан. Эшикдан бирин-кетин одамлар кирар, янги меҳмонни кўриб, у билан икки қўўлаб кўришар ва .. у ер-бу ерга сиқилиб ўтирардилар. П. Турсун, Уқитувчи; 2) кўчма мамнуният билан, хурсандлик билан; ўз ихтиёри, хоҳиши билан. Турдивой халфа .. шу жойни қикки қўўлаб инъом қилгани тўғрисида маълумот берди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚУЎЛАБ-ҚУЎВАТЛАМОҚ** Ёқламоқ, қувватламоқ, ёқлаб, қувватлаб мадад бермоқ. Янги ташаббусни қўўлаб-қувватламоқ.

**ҚУЎЛАБ-ҚУЎВАТЛАНМОҚ** қўўлаб-қувватламоқ фл. мажҳ. н.

**ҚУЎЛАБ-ҚУЎЛТИҚЛАМОҚ** айн. қўўлаб-қувватламоқ, 1

**ҚУЎЛАБ-ҚУЎЛТИҚЛАНМОҚ** қўўлаб-қўлтиқламоқ фл. мажҳ. н.

**ҚУЎЛЛАМОҚ** 1 Ёқламоқ, қувватламоқ, ёрдам, кўмак, мадад бермоқ. Ҳақ ишни халқ қўўлар. Мақол. — Партиямиз бизни қўўлар, Зафарларга ўзи йўўлар. Ғ. Мирза. Аёллар ўтмишдан ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган. Уларни ҳурмат қилишимиз, қўўлайшимиз, суяшимиз керак. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Татбиқ этмоқ, ишлатмоқ. Ишда янги методларни қўўламоқ. Суғорилинган янги системасини қўўламоқ. — [Салимбойвачча] атторлик растасида .. заҳар сотиб оларкан, буни қачон ва қандай қўўлашни асло қўўлагани йўқ эди. Ойбек, Қутлур қон.

**ҚУЎЛЛАНИЛМОҚ** қўўланмоқ фл. мажҳ. н. Бу сўз қайси маънода қўўлланилади?

**ҚУЎЛЛАНМА** 1 Бирор ишда дастур бўладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ёзма ҳужжат, дастур; инструкция. Қир ювиши машинасидан фойдаланиши учун қўўланма. — Батальон комиссари Чернецов армия сиёсий бошқармасидан келган янги қўўланмани ўқиб чиққан, буни дарҳол жангчиларга етказишига қарор қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Кундалик фаолият учун дастур бўладиган асар, ҳужжат ва ш. к. Марксизм— ақида эмас, иш олиб бориш учун қўўланмадир. Мажлис қарорини асосий қўўланма деб қабул қилмоқ.

3 Уқитиш-ўқитишда фойдаланиладиган дарслиқлар, китоблар, асбоб, карта ва ш. к. ўқув қуроли. Кўўлазмали қўўланмалар.

**ҚУЎЛЛАНМОҚ** қўўламоқ фл. мажҳ. н. Янги ташаббус кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан қўўлланди. Бу сўз қайси маънода қўўлланди?

**ҚУЎЛЛАШМОҚ** 1 қўўламоқ фл. бирг. н. Ҳўжа уруғлари «ўз авлодимиз» дейишиб, Тожбойни қўўлашади. П. Турсун, Уқитувчи. Улар бир-бирларини қўўлашади: ясовулбошини қозикалон, қозикалонни хон. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бир-бирининг қўлини ушлаб қоп ва ш. к.нинг белидан олиб, иккинчи бўш қўли билан остидан ушлаб кўтармоқ. Қопларни қўўлашиб машинага ортмоқ. — Эркабой ва мўйловдор йигит қўўлашиб, Саиднинг елкасиға харсане тош қўйишди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**ҚУЎЛЛИ** Қўли бўлган, қўли бор. Бир қўлли одам.

◆ Елғиз қўлли ёрдамчиси, дастёри йўқ. Қаттиқ қўлли қарамонғидан одамларни қаттиқ ушлайдиган, талабчан. Қаттиқ қўлли раҳбар. — [Уқтам] кўринишда ювош, юшмоқ, лекин чоғи келганда ғоят .. қаттиқ қўлли, иродали экани сезилган секретарга, жуда яқин одамдек, сирдошдек узоқ тикилди. Ойбек, О. в. шабадалар. Қўлли бўлмоқ эғали бўлмоқ, қўлма-қўл бўлиб кетмоқ. Қитоб қўлли бўлиб кетганга ўхшайди.

**ҚУЎЛЛИ-ОЁҚЛИ** айн. қўл-оёқли. Кексалар тили билан айтганда, Қиз-

лархон қўлли-оёқли қиз бўлиб, уй ишини ҳам ўқишини ҳам баравар уддалади. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ҚҰЛМА-ҚҰЛ рөш** 1 Бир қўлдан бошқа қўлга, бир-бирига, бардорма-бардор. Юзлаб кишилар қўлма-қўл челақ узатиб майдон ўртасидаги ҳовуздан олинган сув билан китоб хонасига тушган ўтти ўчиришга уринар эдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 Бир кишидан бошқа кишига, бир кишининг ихтиёридан бошқа киши ихтиёрига. *Китоб қўлма-қўл бўлиб кетди.* — «Иштирокионнинг шу бир нусхаси .. катта-кичик тоғ қишлоқлари бўйлаб қўлма-қўл юрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қўлма-қўл юрвчи бу йиғинчоқ қизингиз ким, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатиш ким?* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚҰЛ-ОЁҚ** 1 Қўл ва оёқ(лар). *Қўл-оёғим бутун.*

2 *кўчма* Оёқ-қўли чаққон, эпчил; дастёр. Семиз одам мўсафиднинг гапини маъқулади: — *Зарари тегса, бир бурда нон билан ярим коса ошга тегасди. Бундай болалар бир хонадонга қўл-оёқ. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

**ҚҰЛ-ОЁҚЛИ** Ҳар қандай ишни тез ва чаққон бажарадиган, оёқ-қўли чаққон; эпчил. *Мана, мен ҳам қўл-оёқли келинимдан ажраб ўтирибман-ку. Ажалга даво йўқ, бону.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ҚҰЛСИЗ** Қўли йўқ. — *Оёқсиз, қўлсиз қолса ҳам майли эди,* — деди Ҳошимжон йиғлаб ва укасининг қони суртилган милтиққа тикиларкан. Ойбек, Қуёш қораймас. | Қўли ишламайдиган, шол. *У қўлсиз бўлиб ётибди.*

**ҚҰЛТИҚ** 1 Қўлнинг елка билан туташган ерида ҳосил бўлган бурчак, қўл ости. *Қўлтиғи терлайдиган одам. Бир қўлтиққа укми тарвуз сиғмас. Мақол.* — *Қиз сукасини қўлтиғига суқиб ичкаридан чиқди.* С. Аҳмад, Мўтти. *У далани айланганда қўлтиғидан эски сариқ чарм папкасини қўймади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мавлонов Элмуроднинг қўлтиғидан тутди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. *Кейин ўғлининг қўлтиғидан олиб, бир четга тортди.* — *Булар билан тенг бўлманг, ўғлим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен дарров қўлтиғидан кўтариб, устидаги чанг-тўзонларни қоққан бўлдим.* Ойдин, Болалик уйда гийбат йўқ.

2 Кийимнинг шу жойга тўғри келадиган, шу жойни беркитиб турадиган қисми. *Қўйлакнинг қўлтиғи. Пальтонинг қўлтиғи.*

◆ **Қўлтиғига кирмоқ** 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Қасал бўлиб қолсам нима бўлади? .. Қўлтиғимга ким киради? Акам бўлмаса, укам бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) бировнинг ишончини қозониб, унинг пинжига кирмоқ. [Олаҳўжа:] *Энди, бу билан ҳазил қилма, каттароғини, «ака дед» — қўлтиғига кир, кичикроғини «ука дед», деб ўретадиган бўлди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. **Қўлтиғига сув**

пуркамоқ бировга қарши оёқлантирмоқ, гижгижламоқ. *Эшоннинг хотинини кимдир тезлаятти, кимлардир қўлтиғига сув пуркаятти.* С. Аҳмад, Хукм. **Қўлтиғидан кўтармоқ** (ёки суямоқ) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Тагин мен, Бобоқулнинг ўғли, қўлтиғидан суяйдиган азамат бўлиб қолибди, деб қувониб юрибман-а!* С. Анорбоев, Оқсой. **Тарвузи қўлтиғидан тушди** қ. тарвуз.

**ҚҰЛТИҚ** II *геогр.* Қуруқлик нчига суқилиб кирган сув. *Фин қўлтиғи.*

**ҚҰЛТИҚ БАРДОР** 1 Ногирон, бетоб ёки шикаст топган кишини қўлтиқлаб, суяб олган киши.

2 *кўчма* Ёрдамчи, қўллаб-қувватловчи одам. *Бу кишининг қўлтиқбардорлари бир қишлоқи муллавачча эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ҚҰЛТИҚЛАМОҚ** 1 Қўлтиғига қисиб тутмоқ, қўлтиғига жойлаб кўтармоқ, қўлтиққа урмоқ. *Роҳила плакатларни қўлтиқлаб секин нари кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бозоров туғунчасини қўлтиқлаб, тебраниб, машинага интилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирга юриш ёки суяб ёрдам бериш мақсадида бировнинг қўлтиғидан, юқори билагидан тутмоқ. *Фотима билан Сора рус тилидан таълим берган Антонина Анатольевна икки томондан қўлтиқлаб энг олдинда, жадал борардилар.* П. Турсун, Ҳўитувчи. [Йўлчи] *чиroyли саман отининг жиловини тўтиб, эгасини қўлтиқлаб ерга туширди.* Ойбек, Қултур қон. *Ота-бола уни қўлтиқлаб кўтардилар.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *кўчма* Моддий ёки маънавий ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, қўллаб-қувватламоқ. *Партиямиз қўлтиқлади, қўллади, йўл кўрсатди, саодатга йўллади.* Ҳабибий.

◆ **Укасини қўлтиқлаган қ. ўпка** 1 **ҚҰЛТИҚЛАНМОҚ** қўлтиқламоқ 1, 2 *фл. мажж. н.*

**ҚҰЛТИҚЛАТМОҚ** қўлтиқламоқ 1, 2 *фл. орт. н.* *Худайчи бир йиғитга тўн қўлтиқлатиб, .. мудофелар ёнига чиқди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Менга чўтти қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрдим.* Ф. Ғулум, Шум бола.

**ҚҰЛТИҚЛАШМОҚ** қўлтиқламоқ *фл. бирг. н.* *Беморни қўлтиқлашиб турғизишди.* *Қўлтиқлашиб юрмоқ.*

**ҚҰЛТИҚТАЁҚ** 1 Оёғи хаста ёки ногирон кишилар қўлтиғига тираб, таяниб юрадиган, юқори қисми қўлтиққа қўйиш учун мосланган махсус хасса. *Қўлтиқтаёқ билан юрмоқ.* — *Икромжон .. судралиб бориб, қўлтиқтаёғини олди-да, чайқала-чайқала олдинга кетаверди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Суянчиқ, таянчиқ; ҳимоячи. *Бировга қўлтиқтаёқ бўлмақ.*

**ҚҰЛТИҚТУМОР** айн. тумор. **ҚҰЛҚАНОТ** фольк. Айрилмас дўст, биродар. *Алломши айтди: — Дўстим Шомурот. Икковимиз фарзанд кўрсак,*

ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин, бирови ўғил, бирови қиз бўлса қуда бўламиз. «Ёдгор».

**ҚҰЛҚОП** Қўлни совуқдан, кир бўлишдан, зарарланишдан сақлаш учун қўлга кийиладиган буюм. *Чарм қўлқоп. Қўлқоп тўқимок.* — *Онахон эри .. Собироннинг қора мойга ботиб ярқираб кетган қўлқопи билан шимини гўё роҳат қилиб ювар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | *спорт.* Бокс тушганда қўлга кийиб олинадиган махсус буюм. *Тренер менга қўлқоп бераёттиб «Юрагингни сақла!» — деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҚҰМ** Туяга, от-уловга юк ортиш учун кигизни ўраб ва икки буклаб боғлаб эгар ўрнига уриладиган мослама.

**ҚҰМАНДА** эск. 1 Команда; оғзаки буйруқ. *Қўманда бермоқ.*

2 Команда, мустақил бўлинма. *Қўманда штабининг қўзғалиш тўғрисидаги фармони берилди.* М. Муҳамедов, Машқ.

**ҚҰМИТА** [фр] эск. айн. комитет. Унинг бу ишига завод қўмитаси кўмаклашди. Н. Максудий, Юсалиш. *Усмонжонми? Район! Фирқа қўмитасида ишлайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бу киши шу район ижроия қўмитасининг раиси.* Ҳ. Шамс, Хараактеристика.

**ҚҰМЛАМОҚ** Туяга қўм, эгар урмоқ, туяни эгарламоқ.

◆ **От отлаб, туя қўмлаб** катта қийинчиликлар билан, зўрға, аранг. *Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да, бир ойгина турмай кет эмиш!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚҰМОНДОН** [фр] 1 Йирик ҳарбий қисм ёки қўшин бошлиғи, командири. *Бош қўмондон.* — *Чернецов армия қўмондони генерал-лейтенант Погдинининг штаб-квартирасига Юрвевдан кейин кирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Подшо Қимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўнг ёнидан жой ҳадя қилди.* С. Абдулла, Ҳасан билан Қимсан.

2 эск. Умуман ҳар қандай командир. **ҚҰМОНДОНЛИК** 1 қўмондон с. мажж. от. *Қўмондонлик қилмоқ.*

2 Қўшинга раҳбарлик қилувчи орган ва ундаги кишилар мажмуи. *Немис қўмондонлиги артиллерия ва авиация ҳужумидан кейин танкларни ишга солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Краснов] *бундан кейинги ҳаракат ҳақида қўмондонлик йўл кўрсатуна кутушига .. қарор қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Бош (ёки олий) қўмондонлик** 1) қуролли кучларнинг бош лашкарбошиси; 2) шу қўмондонлик штаби.

**ҚҰМСАМОҚ** Бирор кимса ёки нарсани эслаб, соғиниб, уни кўришга, унга етишишга орзуманд бўлмоқ. *Эри билан қўлтиқлашиб ўтса барнолар, Раҳматлик чоғинамни қўмсаб йиғлайман.* Ф. Ғулум. *Киши қаригандан кейин киндик қони тўқилган жойини қўмсабоқларкан.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. |

Қаттиқ истамоқ, хохламоқ, тусамоқ. Хотини олдиға овқат қўйғанда, Саид-ғозининг кўнгли ичкилик қўмсади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚҰМСАШМОҚ** қўмсамоқ *фл. бирг. н.* Болалар ўз уйларини, ота-оналарини қўмсашаар *эди*.

**ҚҰНАРЛИ** Қўнса, тўхтаб дам олса бўладиган. Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ховлилари меҳмон қўнарли бир ҳолға келтирилган. Айний, Қуллар.

**ҚҰНДИРИЛМОҚ** қўндирмоқ *фл. мажх. н.* Қуш қўлга қўндирилди. Самолёт аэродромға қўндирилди. — Қор куралди, ерга тахта ётқизилди, устиға чодир капалар, қора уйлар қўндирилди. Ойдин, Мардлик — мангулик. Ниҳоят, шам келиб тоқчаға қўндирилғач, уста Олим сукутдан бошини қўтариб қутидорға қаради. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚҰНДИРИШМОҚ** қўндирмоқ 1—3 *фл. бирг. н.*

**ҚҰНДИРМОҚ 1** қўнмоқ 1, 3 *фл. орт. н.* Қушни қўлга қўндирмоқ. Самолётни ерга қўндирмоқ. У киймиға гард қўндирмайди. — Вақт-бевақт бировникиға бир меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий, агарда жойи бор туриб, «жой ийқ» деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил. «Алпомиш».

**2 айн. ўрнатмоқ 1.** Бурниға кўзойнак қўндирмоқ. Бошиға дакана қўндирмоқ. — Қиз силлик, текис ўрилган узун, кўркам, ипақдай майн қўш кокилини бир-бир қўлга олиб кўрди, .. кейин янги чуст дўптини бошиға қўндириб ховлиға чиқди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**3** Курмоқ, тикмоқ, тикламоқ. Полизға қапа қўндирмоқ. — Тахт ясаб, қўндирди пўлатдан қўрғон. «Ширин билан Шакар».

**4 с. т.** Урмоқ, туширмоқ. Мулозимлар, қозининг бу дўқини қуваатлагандай бўлиб, номаълум одамнинг бошиға бир-икки мушт қўндирдилар. Айний, Дохунда.

◆ Гап қўндирмоқ билимдонлик, махмадоналик қилиб керак бўлса-бўлмаса, бирор гап айтмоқ. Оғзингдан бир гап чиқса, у ўрни қўндиради.

**ҚҰНДОҚ 1** Милтиқ, автомат, қўл пулемёти ва ш. к. қуролларнинг барча қисмларини тутиб турадиган ва отганда елкаға тираб тураладиган қисми. Милтиқнинг қўндоғи. — Қорабоев автомат қўндоғи билан офицернинг бошиға шундай урдики, автомат қўндоғи ҳам синиб учиб кетди. А. Раҳмат, Эллик бир баходир.

**2** Қушлар тунаши учун ўрнатилган дор, қўноқ; умуман қушлар қўниб дам оладиган, тунайдиган жой; қўнолға. Бола, тонг отмай, товуқлар қўндоқларидан тушмай, яна ишға тушар *эди*. М. Исmoilий, Фарғона т. о. Ҳар икки қуш ҳам овқатқа қўндоқдан туриб сипоҳгарчилик билан бир кўзлаб қаради-да, юзини чиртта ўгириб олди. Ғ. Фулом, Шум бола.

**3** Қўмиш учун дасталаб боғланган тоқ. Тоқларни қўндоқ қилмоқ.

**4 этн.** Чақалоқнинг бешикка беланишгача бўлган, чарвисимон мойдан ҳали тоза бўлмаган даври ва шу даврда чақалоқ ўраладиган махсус йўрғак. Қўндоқда теккан касал (еки дард, феъл) ёшлиқдан қолган одат, эски одат; азалий, эски камчилик, иллат, нуқсон. [Тоҳиров:] Бу сизға қўндоқда теккан дард! М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

**ҚҰНДОҚЛАМОҚ 1** Тоқларни қўмиш учун дасталаб боғламоқ.

**2 айн. йўрғакламоқ.** **ҚҰНДОҚЛАНМОҚ** қўндоқламоқ *фл. мажх. н.* Тоқлар қўндоқланганича кўмилмай қолди.

**ҚҰНДОҚЛАШМОҚ** қўндоқламоқ *фл. бирг. н.*

**ҚҰНЖ** Этик, маҳси, пийма ва ш. к. оёқ кийимларининг болдирни, иликни ўраб турадиган юқори қисми. Қўнжи узун этик. Қўнжи баланэ ботинка.

— Турсунбой қизил этигининг қўнжини болдириға бурма қилиб тушириб .. олган *эди*. С. Ахмад, Уфқ. Қори этигининг қўнжидан дандон сопли пичоғини олиб Урмонжонға берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҚҰНЖЛИ** Қўнжи бор; қўнжи узун, қўнжи баланд. Қирза қўнжли этик. Қўнжли калши. — Эски бекасам тўн, қизил қўнжли этик кийган бир йигит катта хокандозда ўчоққа чўғ келтириб солди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚҰНИМ 1** Қўниш ёки туриш жойи, манзил. Егин тиниб, мўйтанлар овули билан қирдаги қиётлар қўними орасиға сўқмоқ айўлар тушди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қўним топмоқ қўнмоқ, тўхтаб, муқим ўрнашиб, туриб қолмоқ. Қосим бир идорада икки-уч ой ишлаб, иккинчи идораға кирар, у ерда ҳам қўним топмай чиқиб кетар *эди*. Ҳ. Нуъмон, Фаслар. Кегаги қор қўним топмай енгил ел билан изғиб юради. Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Дам олиш, тиним, тинчлик. Қолхоз раисида қўним ийқ, машина олинг, Қомилжон. Ойбек, О. в. шабадалар. Қўними ийқ капалак гулдан-гулға қўнади. Т. Йўлдош.

**3** Кунт, сабот-матонат, чидам, бардош. Қўними ийқ одам. Ишға қўним — хирмонға учум. Мақол.

**ҚҰНИМЛИК** Қўниб, дам олиб ўтишга тўри келадиган масофа бирлиги. Оломон отда икки қўнимлик масофани босиб, кега яқин хушхаво бир манзилға тушди. Ойбек, Навоий.

**ҚҰНИМСИЗ** Бир ерда узоқ, муқим тўхтамайдиган; беқарор, бардошсиз. Қўнимсиз одам. || Ҳеч ким қушларнинг ичиде энг қўнимсиз, беқарори чиртанин бу қилиғи тўғрисида аниқ бир нарса дёёлмайди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз чиртак.

**ҚҰНИМСИЗЛИК 1** қўнимсиз с. белги *оти*.

**2** Ишдан-ишға, жойдан-жойға кўчиб юриш. Қадрларнинг қўнимсизлиғиға барҳам бермоқ.

**ҚҰНИШ 1** қўнмоқ *фл. иш оти.* Бурдой қип-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган *эди* .. қушларнинг қўниши ёки чўқиши билан чирсиллаб синиб тушар *эди*. Айний, Қуллар. Уй бекаси бу ерда қўнишлари мумкинлигини самийи билдириш, улар қандайдир иккиланиш билан бир-бирлариға қарашиди. Ойбек, Куёш қораймас. Қўниш топмоқ айн. қўним топмоқ *қ. кўним 1*.

**2 айн. қўним 1.** Сувонжон кечки пайт сурувни қўнишға ҳайдаб келди. С. Анорбоев, Оқсой. «Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат», — деган гап бор. Бир борайлик, танишиб, қўниш қутли бўлсин қилайлик. «Ёдгор».

◆ Ой каерда(н) қўниш берар экан иш, ҳодиса ва ш. к. нима билан тугар экан; оқибати нима бўлар экан. Қани [сув] ёқалаб турайлик-чи, ой каердан қўним берар экан. Ойнинг қаерда қўниш беришини билмай қолдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кўчли.

**ҚҰНИШМОҚ 1** қўнмоқ *фл. бирг. н.* Меҳмонлар қаерға қўнишди?

**2** Ушумоқ, жуңжикмоқ. Фулом ака қўнишиб ўтирганича ухлаётган экан. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Булар қўнишиб ётган аскарлар олдиға киришди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ҚҰНИ-ҚУШНИ** Яқин атрофда яшовчи кишилар, қўшнилар (бир-бириға нисбатан). Хушрўйға болалик чоғидайёқ уй ичи ва қўни-қўшни «шаддод» деб исм берганлар, чунки у, кимдан бўлса бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас *эди*. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўни-қўшни, катта-кичик оғамларға салом айттинг. Ҳамза. Олапарнинг ҳайбатидан .. Миржолал қуруқнинг қўрғонига, ҳатто қўни-қўшниларникиға ҳам гадоёй келмас экан. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**ҚҰНИ-ҚУШНИЧИЛИК** Қўни-қўшниларнинг ўзаро борди-келди муносабатлари; қўшничилик.

**ҚҰНМОҚ 1** Учишдан тўхтаб ерга ёки бирор нарсаға ўтирмоқ, тушмоқ. Қуш дарахта қўнди. Вертолёт далаға қўнди. Қосмик кема Ойға қўнди. Парашютичи белгиланган жойға аниқ қўнди. Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнар. Мақол. — Пашиа қўтарилди, алмо шу ондайёқ унинг лабига қўнди. А. Қаҳҳор, Вашорат. Ана, қоқди қанотин булбул, Келиб қўнди чиройли гулға. И. Муслим. Ҳаво жангида қаттиқ ишқаст еган немис самолёти нима бўлди-ю, шу ғарамдан йиғирма-ўттиз метр нарға келиб қўнди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Умуман ерга ёки бир нарсанинг устиға келиб тушмоқ, ўрнашмоқ; инмоқ (юқоридан тушадиган ёки ҳавода ҳаракат қиладиган нарсадан ҳақида). [Самолёт] ўтиши биланоқ қаноти остидан шовиллаб қуйган «ёмғир» ғўзалар барғиға шудриндай қўна бошлади. Ҳ. Назир, Сўнмас қақмоқлар. У [Ражаб] Ҳасан овчини кўриши билан шовиб оёқ-қўлларини қоқди, киприкла-



аига қўнған гардларни енглари билан артди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Сафарда дам олиш, тунаш ёки вақтинча истиқомат қилиш учун бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойга тушмоқ, ўрнашмоқ. Меҳмонлар қаерга қўндилар? — Буеун бизга (бизникига) қўниб борадилар-да. Қовун пишиб қолди, қовун сайли қиламиз. Н. Сафаров, Жангчи шоир. Бу саройга турли мамлакатлардан келган савдогарлар қўнар, чит, чой ва ипак моллар ҳаммаси шу ерга келиб тушарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Хусайн Бойқаро Балхда амир Арғун деганинг «Чаҳор боғи»га қўнди. Ойбек, Навоий. | Тушни бирор жойда ўтказмоқ, тунамоқ. Йўлда тўрт қўниб келдик. — Бек шу кеча бу ерда қўнибдилар, ўтган кеча Қорахонниқда эдилар. Айний, Қуллар.

◆ Оқшом қўнди кеч кирди, қоронғи тушди.

**ҚҰНОЛҒА I** Қушлар қўниб дам оладиган, тунайдиган жой; қўндоқ. Учадан ҳолдан тойган лочин қанотларини йиғиштирди-ю, қўнолғага келиб қўнди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Сафардагилар тўхтаб дам оладиган жой. Ҳаддан ташқари ҳоран ахта ҳам иссиқ қўнолғага яқинлашганини сезди. Х. Ғулом, Машбал. Битта қўнолғага ўтирдик ҳорғин, Юраклар музлаган қўллардай тургун. Шайхзода.

**ҚҰНОҚ I** Донн тариқдан кўра майдароқ, бошоқли ғалла ўсимлиги.

**ҚҰНОҚ II I** Бирор жойга, бирор кимсанинг уйига қўнган, тушган йўловчи, сайёҳ, меҳмон. [Зикрий:] Қори афандим, қўноғимиз Гулчехра хонимни зериктириб қўймайлик. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Инсон қўноқ бўлар Ойга, Зухрага. Х. Расул. Опа, сиз паловага уннанг. Тоза, сен Эъвозхонни болалари билан олиб кел, қўноқ бўлиб кетсин. Х. Ғулом, Машбал.

2 Қушлар қўнадиган дор; қўндоқ. Кун ботгач, товуқлар қўноққа чиқди.

**ҚҰНОҚЛАМОҚ I** Тунаш ёки дам олиш учун қўноққа, қўнолғага чиқмоқ, қўнмоқ. Қорайиш том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қўлоқни тешигудай товуш билан чирқиллашади. П. Турсул, Уқитувчи.

2 Сафарда бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойда тунамоқ; бирор жойга тушмоқ.

**ҚҰНОҚЛИК I** қўноқ II с. мавҳ. от. Бу ёғоч қўноқликка ярамайди.

2 Қўноқдаги, қўноқ бўлиб турган жойдаги вазият, ҳолат, ҳаёт. Нима қилай, ота-ондан ортиқ бир меҳрибоннинг уйда бўлганим учун, қўноқлик андишаси йўлимни тўсади. Ҳамза, Майсаранинг ишк.

**ҚҰНОҚХОНА** эск. айн. меҳмонхона.

**ҚҰНОҚЧИ** эск. Ўз уйига қўноқ, меҳмон қўювчи одам.

**ҚҰНҚАЙИШМОҚ** қўнқаймоқ фл. бирг.

**ҚҰНҚАЙМОҚ** с. т. I Дўмпайиб хунук кўриниб турмоқ; беўшхов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, қўққаймоқ. Қобому-

род[нини] .. меҳмонхонаси тўрида қўнқаймоқ имоми қўнқайиб ўтирган эди. Айний, Қуллар. Қоядай қўнқайиб турган оғир юк қўнқайиб, борган сари лойга чўкар, отлар тилиричилаб орқага тисарилар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Шавкатнинг] қўнғир сочи ўсиб кетганидан бошидаги эски чуст дўпписи тепасида қўнқайиб, уни янада кулгилироқ қилиб кўрстади. С. Анорбоев, Ғузалик истаб.

2 қўнма Ўзи бажара олмайдиган ишга, вазифага ўтирмоқ, амалга, мансабга минмоқ. Амалга қўнқаймоқ. — Ҳайитбой билан Салимбой .. боп мансабларга қўнқайиб .. иттифоқлик риштасини сира узмай келганлар. «Мустум», 1927, № 5.

**ҚҰНҚАЙТИРМОҚ** қўнқаймоқ фл. орт. н. У ноқушадан сўнг чуст дўпписини қўнқайтириб, чойхонага чиқди. Мирмуҳсин, Чиниқош.

**ҚҰНҒИЗ** Қаттиқ ҳимоя қобиғи билан қопланган ҳашаротларнинг умумий номи. Қора қўнғиз. Тилла қўнғиз. — Қоронғилик ичидан кеча қўнғизи ғўнғиллаб учиб, ўзини чироққа урди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚҰНҒИЗУСХА** Қўриниши, ташқи тузилиши қўнғизга ўхшаб кетадиган, қўнғизни эслатадиган. Қиём пайтида «Пахтакор» колхозининг правлениеси олдига қўнғизусха бир автомобиль келиб тўхтади. А. Қаҳхор, Картина.

**ҚҰНҒИР I I** Қора-сарик рангли, тўқ малла. Қўнғир соч. Қўнғир сизир. Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан. Мақол. — Мирсаид қўнғир коверкот пиджагини ечиб столнинг суянчиғига ташлади. П. Қодиров, Уч илдиэ. — Буниям арзи бор экан, — Нуриддин ака ёнида ийманибеца ўтирган қўнғир мўйловли, оқ-сарик йишитга ишора қилди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тўқ кул ранг, қорамтир. Тракторлар бир зафта кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаб турди, пахта далаларининг ҳаммаси қўнғир тусга кирди. С. Маҳкамов, Катта рудда.

**ҚҰНҒИР II** Пати жиғар ранг ўрдак. Қўнғирлар май ойларида тухум очиб, жўжаларини июндаёқ учирма қилишади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҚҰНҒИРБОШ** Қурғоқчиликка чидамли, серуруғ, сердон кўп йиллик ёввойи ўт.

**ҚҰНҒИРОТ** Ўғиз уруғларидан бирининг номи ва шу уруққа мансуб бўлган кишилар. Қўнғирот эли. — Булар бари қўнғирот, тотув бўлиб, бовурум деб сени қўйица олмаса, дарёнинг нарёғидаги офат тезроқ келади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ҚҰНҒИРОҚ I** Силкитилганда, тили деворларига урилиб садо чиқарадиган тўнтарилган конус шаклидаги металл асбоб. Мис қўнғироқ. Бутхона қўнғироғи. Қўнғироқ чалмоқ. Туясидан қўнғироғи қиммат. Мақол. — Бўйинларига осилган қўнғироқларни оғир жаранглатиб туялар ўтади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай асбобнинг жа-

ранлаган овози. Узоқдан қўнғироқ эшитилади.

2 Овоз чиқариб сигнал берадиган ҳар қандай мослама; звонок. Будильник қўнғироғи. — Холмат электр қўнғироқ кнопкасини босиб билан, хона ичкарисидан ёқимли овоз эшитилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қаравот ёнидаги стол устида турган телефон қўнғироғи жиринглади. Жўрабоев, Мулла Б. м. | Звонок товуши; звонок чалиб берилган сигнал. Дарсга қўнғироқ берилди.

3 с. т. Телефон. Тўхта, сен домла поччани бу ерга киргизиб юбориб, ўзинг қўнғироқнинг олдида ўтир. Бирпасдан кейин мен қўнғироқ берман. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. **Қўнғироқ қилмоқ** телефон орқали гаплашмоқ. Эрталабдан кечгача, гоҳида тунлари ҳам телефон трубкасида ёпишиб олиб, тўрт тарафга қўнғироқ қилади. Т. Алимов, Хушбичим йиғит.

4 сфт, кўнма Жаранглама, ёқимли (овоз ҳақида). — Мен сизни танимдим. — деди қиз қўнғироқ товуши билан қатъий. Шўхрат, Шинелли йиллар. Унинг қўнғироқ овозини эшитган ҳар бир киши, узоқлардан бўлса ҳам этиб келарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

5 сфт, кўнма Буралиб-буралиб турадиган, жингалак (соч, жун ва ш. к. ҳақида). Сочи қўнғироқ қизча. — Ҳалил жажжигина, истараси иссиқ, сочлари қўнғироқ, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дилкаш бир қиз билан танишди. Туйғун, Дўстлик севинчлари.

**ҚҰНҒИРОҚЛИ** Қўнғироғи бўлган, қўнғироқ ўрнатилган; қўнғироқ тақилган. Қўнғироқли соат. Қўнғироқли эшик. — Қишлоқ марказидаги Евариқ кўпригидан ҳар кун қўнғироқли туя қарвонлари, турли-турли машиналар ўтиб туради. И. Раҳим, Ихлос. Ногоҳ бурчакдан қўнғироқли чирманда гулдираб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҚҰПМОҚ I** Ўтирган ёки ётган жойдан турмоқ, тикка турмоқ. Гўрўғлининг ўзига от тикка қўлиб даф қилади. Кунда бир сайисни ўдиради. «Хушкелди». Оломон ҳайқариб ҳувос соларкан, ярадор амалдор йиқила-қўна дарахтлар орасида ғойиб бўлди. Ойбек, Навоий. Урса кўнар ҳазил урилиб, амалдан тушириб юборилса, яна амалга қўнқайиб оладиган (одам ҳақида).

2 Юзага келмоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ. Сўнг Ермат асабийланиб деди: — Одам деган ҳар нарсага аралашвермайди. Қаерда ғалва қўнса қочаверинг. Ойбек, Қутлуғ қон. У ҳужрага кириши билан бир варакайига гўё қиёмат қўнди. А. Қаҳхор, Башорат.

**ҚҰПОЛ I** Беўшхов, бесўнақай; бичими келишмаган. Қўпол этик. Қўпол кийим. — Унинг тарвақайлаган қўпол, яланғоч шоқлари ҳовлининг у бурчагидан бу бурчага етади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нозик ишланмаган, ғализ, дағал. Қўпол ип узилади, майин ип чўзилади. Нозик қатим игнадан силлиқ ўтади, оғайнилар. И. Муҳимов, Олов

ва ниҳоллар. | Тахтидан қўполгина қилиб ясаган узун столга қизил алвон ёзилган. Х. Ғулум, Машъал.

2 Кишига қаттиқ тегадиган, кишини ранжитадиган; дағал, қўрс, тунд, ёқимсиз. Қўпол одам. Қўпол муомала. Қўпол сўз. Қўпол қилиқ. Қўпол ҳаракат. Қўпол ҳазил. || Қўпол гапирмоқ. ■ Раиснинг қўпол эътирозини эшитиб турган Бекбўта, қони қайнаб кетди шекилли, ўзини туполмай, кескин гапирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Маориф мудури Хизиров унинг [Элмуроднинг] талабига қарши томдан ташраша тушгандай, қўпол жавоб қилди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 Қулоққа ёқмайдиган, хунук. — Ҳалиги муаллимингиз қаёқда, оқсоқол, чақиртиринг уни бу ёққа! — деди у каттиқ ва қўпол товуш билан. П. Турсун, Ҳқитувчи.

4 Оқлаб, кечириб ёки тузатиб бўлмайдиган. Қўпол хато. Бошқаларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашини. — [Унинг] бу қўпол гуноҳини тасодифдан чиққан хайрли натижасига бағишлаш, бундан кейин шундай хато қилса, қаттиқ жазо қўришини унга тушунтириш керак. Айний, Қуллар. ҚҰПОЛЛАШМОҚ 1 Қўпол, бесўнақай ҳолга келмоқ. Қалин кийиниб қўполлашмоқ.

2 Қўпол, совуқ муомала қиладиган бўлиб қолмоқ, тўнглашмоқ, дағаллашмоқ. Битта мен эмас, ҳатто сенинг ўзинг ҳам қўполлашиб қолдинг, ортиқча гап қўтаролмайсан. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон. У аввалги Малахов эмас эди, қўполлашган, муомаласи тўнғ, ҳаракатида тўнғелик бор. Шухрат, Шинелли йиллар.

ҚҰПОЛЛИК 1 қўпол с. белги оти. Қийиннинг қўполлиги. — Ўзи хирсдай бақуват. Бир кун бу гавда, бу қўполлик билан айни фронтбосиз-да! — деб қолмасманми? Қодим балога. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Қўпол гап, муомала, бесўнақай ҳаракат ва ш. к. У дарров узр сўради: — Қўполлигим қурсин, эшикни қўққисдан очиб, чироқни ўчириб қўйдим. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. — Нима ишингиз бор эди? — сўради қўполлик билан директор. «Мустум», 1961, № 9. У ўзининг қўполлик қилиб қўйганини сезиб, хижолат тортди. С. Анорбоев, Оқсой.

ҚҰПОРИЛМОҚ қўпормоқ фл. мажх. н. Қанал тагидан қўпорилган, қўчган сап-сарик тупроқ половон машина панжасида ундек эланарди. Ш. Ғулумов, Азим дарёман, дебон. Синар томири билан, Қўқарган ери билан, Қўпорилган гувилаб, Шамол каби увилаб. Х. Олимжон.

ҚҰПОРМОҚ 1 Таг-туғи, томири билан суғурмоқ, ағдармоқ. Йўлчи еринг тош бағрини ёриб тўнка қўпоради. Ойбек, Қутлуғ қон. Тракторлар гуриллаб-вариллаб ёввойи жийда, чангал, туронғу, тол, дўлана сингари бута ва майда дарактларни таг-томири би-

лан қўпориб ташлар эда. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Таг-туғи билан бузмоқ, қўтармоқ, ағдармоқ, ағдар-тўнтар, остин-устин қилмоқ. Сув қўприкни қўпориб кетибди. ■ Бир бомба биздан нарироққа тушиб, кўча четидоғи дарахтни қўпориб ташлади. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Анҳор тўлиб-тошиб оқмоқда, тахта ходалардан қилинган маҳкам тўғонни қўпориб ташлашудай шиддат билан қирғоққа урилиб настега отилмоқда. Х. Назир, Сунмас чақмоқлар.

2 қўчма Ағдариб ташламоқ, қулатмоқ, йўқ қилмоқ. Чоризм тахтини таг-томири билан қўпориб ташламоқ.

ҚҰПОРТИРМОҚ қўпормоқ фл. орт. н.

ҚҰПОРУВЧИ 1 қўпормоқ фл. ш. оти. Тоғ қўпорувчилар. || Қўпорувчи куч.

2 Диверсиячи, диверсант.

ҚҰПОРУВЧИЛИК 1 қўпорувчи 2 с. мажх. от.

2 Диверсия акти, диверсия.

ҚҰР 1 1 Майда чўғ аралаш иссиқ кул; майда чўғ. Қўрға қўмиб пиширилган жўхори. ■ Ҳовли ўртасидаги бир бузоқ билан икки қўй ўшти солинган дошқозон тағида ҳамон ўт ёнар, ўчоқ олдига тортилган қўрда эса, хизматкорлар исиниб ўтиришарди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Чоғеуллардаги чой ичиб бўлинган, гулханнынг қўри сўна бошлаган. Х. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

2 қўчма Қалб ҳарорати, ўт, ўғит. Жамила ҳоланинг табиати шунақа. Юрагидаги ёшиқ қўри уни доим ишга, одамлар орасига ундайди. Э. Носиров, Ташаккур сизга, холажон! Қалбимиз қўри ҳам, олқини сўзимиз ҳам, табрик қарсагимиз ҳам, катта анжуманларда минбаримиз ҳам шуларники, эл назар қилган машъалларники. Х. Ғулум, Сиз коммунизм қурасиз. Қани, марҳамат, барно йигит, уйимизнинг тўри, қалбимизнинг қўри сизники. Ҳтиринг! С. Кароматов, Ҳижрон.

ҚҰР II Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган кераклик нарса; запас, бойлик. Қўр қилмоқ. ■ Домланинг айтишича, қўр битган, бисотда ортиқча пул қолмаган. А. Қаҳҳор, Сароб. У бир подшо бўлса, унда қўру қўрхона, тўпу тўпхона, ҳарна асбоб, лашкар, оломон кўп бўлса. «Равшан». | Кут, баракка. Охир пулларимиз ҳам соеврилиб; қўри ўча бошлади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

◆ Қўр тўкмоқ 1) қўшин тўпламоқ; лашкар тўкмоқ. Отам сен билан урушаман деб яна қўр тўкиб етибди, бо-тирлигининг қўрсат! «Муродхон»; 2) олишувда, тортишувда жавлон урмоқ. Ўзбекнинг ўз сўзли бўз ўғлонлари Гердаийиб бу мажлис аро қўр тўқар. Ғ. Ғулум; 3) савлат тўкмоқ. Ғўри Амир қўр тўкиб мағрур, Паҳлавондай менга тикилар. М. Али.

ҚҰРА I Ёғоч, шох-шабба, панжара ва ш. к.дан қилинган тўсиқ, ғов, девор ва шундай девор билан ўралган жой.

Овулнинг қамиш қўралари соеврилиб кетди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қўра орқасида арава ғилдиракларининг фикир-ғижоғи эшитилди. Х. Ғулум, Машъал. | Чорва молларини қаммаб қўйиш учун шундай девор билан ўралган майдон; ўтар, қўтан. Молларни қўрага қаммоқ. ■ Далада оч бўри қўпайиб кетди. Уч кун бурун ярим тунда бир эмас, саккизта қўрага тушиб ҳамма молни қийратиб кетди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой. Бухоро элчилари ва савдогарлари боярлар, амалдорлар қуришода тантана билан Тверская кўчасидаги катта қўрага келиб тушидилар. М. Осим, Элчилар. Катта бойларнинг Тошкент янги шаҳарида бир нечадан қўраси бўлиб, уларни .. ижара қўйиб дунё тўплар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урнинишлари. МТС қўрасига Йков кирсак-да, Амр этсанг, Трактор рулини Буриб юборсам. Ғ. Ғулум.

ҚҰРАМТА тар. Қамон ўқлари солиб, осиб юриладиган махсус халта, сумка; ўқдон. Қўрамтага қўл солиб, бир тутам ўқ олди. ■ Қон тортиб, одамнинг ажали етди. Ул Паризод, қўрамтага қўл солди. «Муродхон».

ҚҰРБОШИ тар. 1 Хонлар, амирлар даврида қурол-аслаҳа омборининг, қўрхонанинг бошлиғи.

2 Шу даврларда олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган лашкарбоши. Миришаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қўтидор қайтиб йўлакка кириши билан, минг хил таъшишда ўтирувчи Офтоб ойма ила Қумушга қайтиб жон қиран каби бўлди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Қуролли соқчилар бошлиғи. Отимни ҳоритди тоғларнинг тоши, Дарвозани очини бога қўрбоши. «Рустам».

3 Октябрь революциясидан олдинги Туркистонда маҳаллий полиция бошлиғи. [Миразарим ... пулни ишпага отиб ўйнаб:] Мана, юртда ҳукумат. Мана, губернатори-ю, ҳокими, қўрбошидан тортиб қози-мозиси! Ҳамза, Паранжи сирлари.

4 Босмачилар шайқасининг бошлиғи, қўмондон. Қизиллар томонидан қуғинга учраган бир қўрбошини ўз уйда яшириб қўймагани учун у ота-онамини отди, уйимизга ўт қўйди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Оқлар, қўрбошиллар, хон бандалари, Анвар подшо билан кушандалари, Қанча рўзгорларни қилдилар вайрон. Ғ. Ғулум.

ҚҰРИЛМОҚ қўрмоқ фл. мажх. н. ҚҰРИМОҚ 1 (б. к. ва т. к. билан) Ҳимоя қилмоқ, сақламоқ, қўриқламоқ. Боғ(ни) қўримоқ. Юрт қўрисанг, ўзарсан, қўримасанг, тўзарсан. Мақол. ■ Узумни чуғурчуққа едириб, оёғини сувга солиб ўтирибди-я! Бор, узумни қўри. Н. Сафаров, Уйғониш. Молларни қўриб ётаан итлар югуриб келиб, Ойқизжонни таниб ўйнашиб сакрайберди. «Фольклор».

2 (т. к. билан) Ўзини ёки бирор

кимсани, нарсани қуш, пашша ва ш. к.дан ҳимоя қилиш учун уни қувмоқ, ҳайдамоқ. *Соға боғлаб қўйилган отлар эринибгина пашшаларини қўрийдилар.* Ж. Шарипов, Саодат. [Розия хола:] *Ҳозироқ бир болани чумчуқ қўрийдиган қилиб қўй!* — деб Зухрани койиб берди. Н. Назаров, Замон. Мулла Саид Жалолхон .. бурнига қўнган пашшани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди шекилли, остки лабини чўзиб «пупф» деди. А. Қаҳҳор, Башо-рат.

**КЎРИШМОҚ** кўримоқ *фл. бирг. н. КЎРИК* 1 Ҳимоя, мудофаа, сақлаш. *Башарти, қотил мен бўлиб кўринганимда ҳам, молим ҳам жоним кўриғида ўғриларни ўлдирганлигим учун яна гуноҳкор бўлмас эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Соқчилар турадиган ва улар ҳимоясида қўриқлаб, сақлаб туриладиган жой. *Кўкча қўрғонлари кўриғида анови қўрғонларникидек мудофелар кўп бўлмаси ҳам, йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Экин ёки дарахт экилган, шунинг учун ҳам қўриқлаб туриладиган ер майдони; экинзор, боғ ва ш. к. *Сув талашган бўлсак, сиз ҳам, мен ҳам ўз кўриғимиз учун эмас, колхоз, халқ манфаати учун талашдик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Илгари ёки қачонлардир экин экилган, кейинча экилмай ташлаб қўйилган ер. *Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган кўриқлар кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Не-не умидлар билан олинган ер, болалар ёш ва Анзират холанинг йши дардчил бўлгани учун, эҳвусиз қолиб кўриққа қўйилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчиноҳ. *Ёшлигимни кўйсаб, китоб очгандай, Минг йиллик кўриқнинг бағрин очман.* С. Акбарий.

5 Ҳали ишланмаган, дехқончилик қилинмаган, аммо экин экишга яроқли жойлар; бўз ер. *Кўкламда она-бола тоғ этагидаги кўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб лалми бугдой экишди.* П. Қодиров, Уч илдиш. **Кўриқ очмоқ** илгари экин экилмаган ёки ташлаб қўйилган ерларни ўзлаштириб, ишга солмоқ, у ерларда экин экиб дехқончилик қилмоқ. *Канал бўйлари, янги очилган кўриқ, у ердаги дашт бригадаси ҳаёлидан ўтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КЎРИҚЛАМОҚ** Ҳимоя, мудофаа қилмоқ, сақламоқ. *Ўзбошининг мол дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган кўриқлар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчиноҳ. *Санъаткорларни қизил аскарлар отряди кўриқлаб борарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизяқ. *Аскарликка жоним билан бораман. Ватанимни сўнги томчи қоним қолгунча кўриқлайман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЎРИҚЛАНМОҚ** кўриқламоқ *фл. мажх. н. Халқ депутатлари .. Советлари .. қонунларга риоя қилинишини ва еражданлар ҳуқуқларининг кўриқланишини таъминлайдилар.* «ЎзССР Конституцияси».

**КЎРИҚЛАШМОҚ** кўриқламоқ *фл. бирг. н. Болалар боғлардаги узум ва бошқа меваларни қушлардан кўриқлашар эди.*

**КЎРИҚХОНА** Ноёб ҳайвонлар, ўсимлик ва дарахтларни сақлаш ва кўпайтириш учун ажратилган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган территория (бундай жойларда ов қилиш, дарахт кесиб ман қилинади). *Балиқ кўриқхонаси.*

**КЎРИҚЧИ** 1 Ҳимоя қилувчи, ҳимоячи; соқчи. *Чегара кўриқчилари.*

— *Норматнинг бу саволига кўприк кўриқчиси — қора ёқали сапёр жавоб бериш ўрнига: — Кўприк берки! — деб, Норматнинг йўлини тўсди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чор ҳуқумати помещик ва капиталистларнинг содиқ кўриқчиси эди.* «КПСС тарихи».

2 Қўшларни чўчитиб, улардан боғ, полиз ва ш. к.ни кўриқлаш учун ўрнатилган кўғирчоқ одам. *Мени нима деб ўйлайсан-а. Сен учун пайкалдаги кўриқчи манми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КЎРИҚЧИЛИК** 1 кўриқчи с. маъ. от.

2 Ҳимоя, пана, паноҳ. *Крейсер қирувчи самолёт кўриқчилигида денгизга бораётир.* Кўриқчилик қилмоқ.

**КЎРС** 1 Кишига қаттиқ тегадиган; кўпол, дағал, тўнг. *Кўрс одам. Кўрс сўз. Кўрс муомала.* — *Ўнга юзма-юз келиб бундай кўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баъзилар .. жамоат тартибини бузган кўрс, кўпол кишилардан ранжиб редакцияга ёзадилар.* Э. Охунова, Ҳаётда яхши ном қолдиринг.

2 *диал. Ўзига бино қўядиган, бошқаларни менсимайдиган, димоғдор. Биз — кўпчилик, сен ёлғиз, Сен эмас биз қилганми. Мен-мен деган одамни Дейдилар: — Кўрс, бетамиз. Ҳабибий.*

**КЎРСЛИК** 1 кўрс с. белги оти. *Гапининг кўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқлар уни Соли совуқ деб атадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кўрс, совуқ муомала, кўполлик, тўнглик. *Дадажон .. Расул акага кўрслик қилиб қўйгани учун зўр бериб ўзини койир, шининг нима билан тугашига ақли етмас эди.* А. Муҳиддин, Миришкор.

3 *диал. Димоғдорлик, кеккайиш. Бу гап Асқар отага умрида бир марта от миниб, ўзини зўр чавандоз ҳисоблаган ёш боланинг кўрслигидай туюлди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**КЎРХОНА** 1 Курол-аслаҳа сақланадиган омбор, қуролхона, арсенал. *Англи қурол-яроғини олиб келган кейинги карвон амири ҳазрати омиллариининг кўрхоналарига сиғмай қолди.* Кўрхона ёнидаги «Дорулишфо» мадрасасига ҳам ҳарбий анжом сандиқларини киритиб, териб қўйишга тўғри келди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Қимматбаҳо нарсалар, бойликлар

сақланадиган омбор; хазина. *Хукуматимнинг қўлига, Туиди-да кўрхонаси.* «Фольклор».

**КЎРҚА-ПИСА** *реш* Дадил ботинмай, кўрқимсираб, бир оз хавотирланиб. *Мен яна кўрқа-писа сўрадим: — Ўзум берсам ейсанми?* Х. Аҳмад. *Ким ҳақ? Йигитча Анжирбоев узатган қоғозларни олиб кўрқа-писа кўздан кечирди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Болалар битта-битта ера тушаяпти. Охири болтага кўрқа-писа ключ солидим.* П. Қодиров, Қадрим.

**КЎРҚАРЛИ** Киши кўрқадиган, кўрқувли. *Хавотир бўлман, бунинг ҳеч кўрқарли ери йўқ.*

**КЎРҚМСИРАМОҚ** Бир оз кўрқмоқ, хавфсирамоқ. *Кўрқимсираб гелпирмоқ.* — [Тўлаҳон:] *Худойим билди.* [Кўрқимсираб ялиниб], *жон хола. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**КЎРҚИНЧ** 1 Кўрқув ҳолати, хисси; кўрқув, дахшат, ваҳима. *Ўнинг вуждини кўрқинчи қамраб олди. Кўрқинчга туюмоқ.* || *Кўрқинчи азвол.* — *Низоганиннинг ҳамон кўрқинчи, дахшат тўла кўзларида миннатдорчилик учкунни йилтираса.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кумушбиби ортиқ чидалмадими, кўрқинчи бир товуш билан ҳайқирди: — Оҳ, ўламан. Кўп сўзлама!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғоят кўрқинчи тус олган бу аёл, ҳеч тарафга қарамай, борган сари қадамини тезлаштирмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хавотирлик, безовталиқ ҳолати, хисси; хавфсираш, ҳадиксираш; ҳадик. *Николиннинг қалбини янги бир кўрқинчи таталарди. Уқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Энди бу иккинчи сохта хатни ёздиринида, гарчи ҳозир Отабекнинг қўл ёзмаси ўз қўлида бўлса ҳам, яна кўрқинчи йўқ эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Отабек кўзини олалаттирган бўлди: — Қаерда, кимлар, яраси кўрқинчи эмасми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КЎРҚИНЧЛИ** 1 Кишини кўрқувга, ваҳимага, дахшатга соладиган, дахшатли, ваҳимали. *Кўрқинчли тую.* *Кўрқинчли манзара.* || *Кўрқинчли кўринмоқ.* — *Оёқларига, қўлларига қўнғироқ таққан кўрқинчли ажиналар рақс этади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Одамларнинг унингсиз ҳам хароб ээни-бошлари тўкилди, афсоналардаги яғъжуз-мағъжуз каби кўрқинчли тус олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кишини хавотирликка соладиган, безовта, хавотир қиладиган; хавфли, хатарли. *Кўрқинчли яра. Кўрқинчли касаллик.* — *119-тепаликнинг самолёт орқали мунтазам қисмлари билан алоқа боғлаши айниқса Грейдерга кўрқинчли бўлиб туюлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КЎРҚИНЧИСИЗ** 1 Кўрқарли ери йўқ, кўрқинчли эмас.

2 Хавотир оладиган, хавфсирайдиган ери йўқ, хавфли, хатарли эмас; беҳавотир, хавфсиз.

**ҚЎРҚИНҚИРАМОҚ** Бир оз қўрқмоқ, қўрқимсирамоқ. Рост, амаки, лекин хўп олишдим, жағиға ўхшатиб солардим-ку, қўрқинқирадим, ёшман-да. Ойбек, Болалик. Миннатдорлик билдиргим ҳам келарди, алланечук қўрқинқирадим ҳам ундан. А. Мухтор, Туғилиш.

**ҚЎРҚИТМОҚ** 1 қўрқмоқ фл. орт. н. Бутун юзи қулоқлариғача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди. Бу ҳол Соли Совуқни жуда ёмон қўрқитиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёлғон дўқ-пўписа ва ш. к. билан юрағига ғулғула солмоқ. Ёш кетаман деб қўрқитади, қари ўламан деб қўрқитади. Мақол.

**ҚЎРҚИШМОҚ** қўрқмоқ фл. бирг. н. Улар бир-бирларидан қўрқишади. ■ Така Ёвмит эли, мактаб болаларининг келмаганидан қўрқишиб, қидиришиб чиқиб, булар ҳам шу тоққа — қўшиннинг устига келиб қолишади. «Гўрўғли».

**ҚЎРҚМАС** Қўрқинни билмайдиган, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, довурак, ботир.

**ҚЎРҚМОҚ** 1 Қўрқув ҳис этмоқ, қўрқув ҳиссига берилмоқ, дахшатга тушмоқ. У ҳеч нарсадан қўрқмайди. Қўрққанга қўша кўринар. Мақол. ■ Тешабойнинг жаҳли чиқди. Тешганда кўзингизни тешмайди-ку! Мунча қўрқмасангиз? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Келин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди. Ҳамза, Бурунги қозилар. | Қўрқоқлик, юраксизлик қилмоқ, юраги бетламай, дов бермай қочмоқ. Қўрққан олдин мушт кўтарар. Мақол.

2 Ҳадик олмоқ, хавфсирамоқ, ҳадиксирамоқ. Чумқудан қўрққан тарик эмас. Мақол. ■ Ҳаёт .. худди йқилиб кетишдан қўрққандек, бир қўли билан танчани ушлаб, юзини йигитдан хиёл қочириб ўтирарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚЎРҚОҚ** Ҳар нарсадан қўрқаверадиган, юраги йўқ, юраксиз. Қўрқоқ одам. Қўз қўрқоқ — қўл ботир. Мақол. || Қўрқоқ қўрқоққа ўртоқ. Мақол. ■ Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади, ўлидан нима кутиб бўлади. Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. Қўрқоққа қўланса азроил, дейдилар. Ҳамза, Тўйда аза.

**ҚЎРҚОҚЛИК** қўрқок с. белги оти. [Шербек] курашда қўрқоқлик .. нималигини билмайди. С. Анорбоев, Оқсой. Қўрқоқлик доғини ўлим ювомайди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Агар яна шунақа қўрқоқлик қилар экансан, қаллангни оламан. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ҚЎРҚУВ** 1 қўрқмоқ фл. иш оти. Жанга кирдингни, қўрқувни унут. Улишни эмас, ўлдиришни ўйла. Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

2 Қўрқинч, дахшат, ваҳима. Қўрқувега тушмоқ. Юрағига қўрқув солмоқ. Уни қўрқув босди. ■ Қамоқ — ярим ўртўла, обдан қоронғи. Юрақларни зади мудҳиш бир қўрқув. Файратий.

**ҚЎРҚУВЛИ** Қўрқинчли, қўрқарли. Нури ёлғиз қоларкан .. кўзинг ойдин кечасидаги қўрқувли, лекин унинг учун энг тотли дамлар ёдидан ўтди. Ойбек, Қутлуг қон. | Қўрқинч билан тўлган, қўрқинч хиссини, ҳолатини ифодалайдиган. Атрофга қўрқувли назар ташламоқ. ■ Қўрқувли кўзлар билан те-варакни кузати. А. Каххор, Йиллар.

**ҚЎРҚУВСИЗ** Қўрқинчдан, қўрқинч хиссидан холи, тинч. Онахоннинг кўз қарашини қўрқувсиз, нафратли ва мағрур қараш эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҚЎР-ҚУТ** Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган нарса, бойлик, запас; қут-барака. Шунисиға суюнаманки, ўша вақтларда ахшилар рўзғор тузиб, қўр-қут ортдирган эканмиз, бари халқнинг қорига яради. Ойбек, О. в. шабадалар. Эшон аянинг бирдан-бир нияти қўлда қолган қўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб хилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш. С. Ахмад, Ҳукм.

**ҚЎРҒАМОҚ** диал. Қўриқламоқ, сақламоқ. Ватани қўрғамоқ. ■ Агар у жанг вақтида жонини қўрғаб, ўртоқларига хиёнат қилиб, тўнғакнинг орқасида бошини кафтига қўйиб ётмаса, тепасига бостириб келаётган [душманни] кўрарди, отиб ўлдирарди, ўзи саломат қоларди. Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

**ҚЎРҒОН** 1 Душман ҳужумидан сақланиш учун узоқ муддатли истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа ва ш. к. Ёв қўрғонини қамал қилиб, унинг қулоқкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби одалар тоғ этасига тўлиб кетдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ғиждубон қўрғонининг шарқи-шимол ва ғарб томонларидан чиқаётган, .. ғулғулали товуи ҳавони титратмоқда эди. Айний, Қуллар. | Умуман аҳоли яшайдиган жой, қишлоқ, шаҳар. Дала йўли .. эри кўпричалардан ўтгач, билинар-билимас кичкина кўчага айланади. Ана шу кўча сизни колхознинг марказий қўрғонига олиб боради. З. Соғиев, Истеъдод.

2 Қалъа, қўрғон, шаҳар ва ш. к.ни мудофаа қилиш учун қурилган мустаҳкам девор. Азизбек ташаккурини битиргач, ҳудайчи қўрғон устидаги мудофеларга бор товушини қўйиб қичқирди: — Бек жаноблари бу кунги рустамона ғайратларингизга дуо қиладилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Урданинг ғишитин, кунгурадор қўрғонлари ости билан жазойирий қилчи тақинган маҳсус муҳофиз йиғитлар айланиб бегона кишини қўрғон яқинида йўлатмаслар .. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Умуман ҳар қандай баланд ва мустаҳкам девор. Учоқ бошида қўрғон, Атрофим баланд қўрғон. Кўнғил берган ёримни Кўролмасдан бағрим қон. С. Абдулла.

3 Дала жойда ва умуман шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган ховли-жой ва унинг ичидаги бинолар. Арслонбекнинг қўрғонини .. бу

йўлга тушиб олган кўр ҳам топади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Шербек қишлоқнинг энг четидаги қўрғонни ҳам босиб ўтди. С. Анорбоев, Оқсой. Арава боғнинг катта дарвозасидан кириб, икки тарафи теракзор узун йўлка бўйлаб қўрғон эшиги олдида тўхтади. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

4 Кўчма Мустаҳкам таянчиқ, қалъа. Москва — тинчлик қўрғони.

5 Қўрғон (эркаklar исми). **ҚЎРҒОНБЕГИ** тар. Қалъани, қўрғонни химоя қилувчи соқиларнинг бошлиғи, қалъа коменданти. Азизбек қаршисида қўл боғлаб турган қўрғонбегида сўради: — Йиғитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадилми? — Давлатингиз соясига, тақсир! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҚЎРҒОНЧА** 1 қўрғон 3 с. кичр. Йиғитлар Максимнинг қўл-оёғини боғлаб икки яшиқ асбоб-ускуна билан олиб қочиди. Икки кун арчазордаги қўрғончада қамалиб ётди. С. Ахмад, Ҳукм. Қишлоқдаги пахса деворли қўрғончалар бой, бадавлат одамларники бўлиб, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағал қишлоқларнинг бошпаналари эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Кичик қишлоқ, қишлоқча. Булоқ бошидаги қўрғончамиз ҳаммаси бўлиб элик беш хўжалик. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҚЎРҒОШИН** Химиявий элемент, оғир, юмшоқ, тез эрийдиган, кўкниш-кул ранг металл. Соф қўрғошин. Қўрғошин рудаси. || Қўрғошин ўқ. ■ Ма-на, — туғунчани Сувонжонга берди, — ярим кило дори, ярим кило қўрғошин. Ичида тўнғиз ўқ ҳам аралаш. С. Анорбоев, Оқсой. Қози домла! Шу сўзларим қулогингизга ўқдек қуюлиб, қўрғошиндек ўрнайсин! Хотинининг ихтиёри ўзида! Бойга тегар экан, тегавради. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Жангчиларимиз атакага кўтаришган пайтда уларнинг боши устидан қўрғошин дўли ёғила бошлади. А. Раҳмат, Элик бир баҳодир.

**ҚЎРҒОШИНЛАМОҚ** с. т. 1 Кавшарламоқ.

2 Пломбаламоқ, сурғучламоқ, печатламоқ.

**ҚЎРҒОШИНЛИ** 1 Ичида ёки таркибида қўрғошини бўлган. Қўрғошинли баббит.

2 Қўрғошин қуйилган; қўрғошин ёки унинг бирикмасидан ясалган. Қўрғошинли аккумулятор.

**ҚЎСҚИ** 1 Қийилавериб эскириб кетган, жулдур чикқан, жулдур кийим. Бошида кир, тўзгиган салла, чопони ҳам қўсқи. Ойбек, Қутлуг қон. || Шу қўсқи тўрт йилдирки, янги бўлмас. Ғ. Ғулом. Юр, синглим, жилла бўлмаса, ювиниб, кийиниб устингдагу қўсқингни ташла, қуриб кетсин. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Уст-боши хароб, жулдур кийимли. Мен .. отдан тушмас ҳам, эгардан тушмас эдим. Мен кимман ахир, Омон

қўсқизга бўйсуниб кетавераманми! Ф. Ғулом, Шум бола.

**ҚҰТИР** I Бадада пуфакчалар хосил қилиб, қаттиқ қичиштирадиган юкумли тери касаллиги.

2 Шундай касалликка йўлиққан. Қўтир бола. Қўтир эчки. — Писмиқ эгасидан хўп калтак еб, яна билтанглаб қолган қўтир итдек эгилиб-букилиб, ерга сирпангандек бўлиб инқиллади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚҰТОН** I I Бирга боқилаётган катта қўй тўдаси; қўй подаси; сурув. Шу кеча тушимда чўпон бўлибман, Қўтонимни қирнинг тўрида кўрибман. Ислом шоир. Майдонга бир қўтон қўйни ҳайдаб келишди. Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Қўй ёки мол қамаладиган катта кўра ёки махсус бино; қўйхона, молхона. Умарқул эрталаб ердан қиров кўтарилар деганда, қўйларни қўтондан ҳайдаб чиқарди. О. Хусанов, Ҳаёт ишқи. — Оворагарчилиқни айтмайсизми, — деди пақир ушлаб турган новча киши — қишда қишлоққа, ёзда яйловга мол ҳайдаймиз. Шу ерга қўтон қурилса бўлмайдими? И. Раҳим, Ихлос.

**ҚҰТОН** II: кўк қўтон қ. кўкқўтон. Оқ қўтон қ. оққўтон.

**ҚҰТОНЛАБ** Бир неча қўтон, қўтон-қўтон, жуда кўп. Салимбой ўлгандан кейин унинг ўрнига Мадмин оқсоқол бўлиб қолди. Юзлаб қўш — хўкиз, йилқи, қўтонлаб қўй-эчки бунга қолди. П. Турсун, Ҳаётуви.

**ҚҰТОНЛАМОҚ** I Атрофни ўраб қўтонга айлантирмоқ, қўтон қурмоқ.

2 Қўтонларга айирмоқ, бўлмоқ.

3 кўчма Қўрғонламоқ, ўтов тикмоқ (ой, кун ҳақида). Кун қўтонласа курагингни, ой қўтонласа офтобчувогингни тайёрла кун ўтов тикса қор ёғади, ой ўтов тикса қуёшли кунлар бошланади маъносидати матал.

**ҚҰТОН-ҚҰТОН** Бир неча қўтон, жуда кўп. Қўтон-қўтон қўйлар.

**ҚҰТОС** I Марказий Осиёнинг баланд тоғли районларида яшайдиган ёввойи хўкиз. Қорамолнинг тоғ шароитига мосланган энг кучлиси ва махсудори саналган қўтосни армани қишлоқларида кўп учратди. Х. Назир, Мафтунингмас, Озарбайжон.

**ҚҰТОС** II диал. Бўйинга тақиладиган безак буюми. Қўтос тақди бўйни узун бедоога, Қирқ қуббали юган урди бошига. «Хушкелди». Ана шунда тилла қўтос тақинган ўн тўрт маҳрам Бойбўридан Бойсарини сўраб бориб қолди. «Алломиш».

**ҚҰЧЧОҚ** с. т. Қўзичоқ.

**ҚҰЧҚОР** I Бицилмаган эркак қўй. Зотли қўчқор. Қўчқор уриштириш I) эрмак учун ёки пул тикиб қўчқорларни сузиштириш. Мингебоши қўчқор, хўроз [уриштириш], беданабозликнинг ишқибози бўлса, Салим амин яхши бўза билан бедана кабонининг ишқибози эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) тарзски мактаб болаларининг бўйра чўпларининг бўғинли еридан илаштириб тортиб синдириш ўйини.

2 кўчма с. т. Зўр, зўравон одам. Чамбилнинг қўчқори ўзим бўламан, Чамбил элтиб сени лойга соламан. «Малика айёр».

3 Қўчқор (эркаклар исми).

◆ Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнама иккита бир хил манман, зўр ва ш. к. одам бир жойда муро са қилиб яшолмайди, чқиқшолмайди маъносидати матал.

**ҚҰЧҚОРБОЗ** Қўчқор уриштиришни яхши кўрадиган одам. Маашхур Алимжонбойнинг ўғли Тўрахоҳ бойвачча қўчқорбоз, хўрозбоз ва хотинбоз эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ҚҰШ** I I Иккита, бирга қўшилган, бирга ишлатиладиган, биргаликда, ёнма-ён ва ш. к.; қўшалоқ. Қўш белбоғ. Қўш ёстиқ. Қўшларида қўш узук. Қўш ғилдиракли арава. Қўш орденли республика. Қўш отли извош. Қўш табақали дарвоза. Қўш карнай. || Қўрққанга қўш кўринар. Мақол. — Юқоридеги бир-бирига мингалиб турган қўш харсанг тагидан виқир-виқир қайнаб сув чиққоқда. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳар йиғит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ. Ф. Ғулом. Қўш қўллаб қ. қўллаб 2.

2 Бир вақтда, биргаликда содир бўлган, юз берган, бирга келган. Қўш байрам. Қўш тўй.

3 Одатда иккита, баъзан битта хўкиз ёки от қўшилган омоҳ. Далага қўш чиқди. — Зағчалар қағ-қағлашиб қўш кетидан учиб-қўнишади. Н. Фозилов, Оқим. Жўжабирдай болаларимиз очдан ўлмасин деб, раҳматли эрим билан ўзимизни қўшга қўшган вақтларимиз ҳам бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўш пайти (ёки вақти, маҳали) ҳайдаш учун ер етилган, далага қўш чиқади-ган пайт. Қўш ҳайдамоқ қўш билан ер ҳайдамоқ. Узокдан қўш ҳайдаб юрган йиғитнинг ашуласи эшитилади. А. Қодирий, Ҳатан кунлар.

**ҚҰШ** II I Сафар, поход ва ш. к. да вақтинча қўшни жой; вақтинчалик қороргоҳ; лагерь. Ҳамма лашкар жам бўлиб, булар ҳам Асқар тоғдан ошиб қўш ташлади. «Гўрўғли». Қўқон сипоҳлари эндиёқ хужумгача .. яраларини боғлаш, дамларини олиш учун қўрғон ёнидан қаёққадир қўшларига кетганлар. А. Қодирий, Ҳатан кунлар.

2 Тўда, тўп. Пўловнинг қўшига гурланлик Еқуббой, ҳазораслик Қиличбойлар ҳам келиб қўшилдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚҰША** I Иккита, бир жуфт, жуфт. Қўрққанга қўша кўринар. Мақол. — Дехқоннинг ҳисобига қараганда ҳам баҳорда беркиниб ётган қўш ёзда қўша кўриниши керак эди. И. Раҳим, Ҳилола. [Ўзбек ойим] шу чоққача Зайнабга ялиниб .. кун кўриб келган бўлса, бундан сўнғ бир қўша келинни ўзининг оёқлари остида ялиниб юрган ҳолда кўрди. А. Қодирий, Ҳатан кунлар. Қўрган ошиқ ўтга ёқар келдими? Қўкрагида қўша анор келдими? «Равшан».

Қўша қаримоқ умрнинг охиригача бир-бирдан ажралмасдан бирга яшаб, қариб-чуриб юрмоқ. Фотиманинг ҳам унга майли бор. Агар юлдузлари тўғри келган бўлса қўша қаришсин. П. Турсун, Ҳаётуви.

**ҚҰША** II айн. қўш II 2. Ташқарида бир қўша созандалар .. шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадилар. А. Қодирий, Ҳатан кунлар.

**ҚҰШАЛОҚ** I Иккита бир-бирига ёпишган, бир-бирига ёпишиб ўсган, ёпишиб туғилган ва ш. к. Қўшалок олма. Қўшалок сомса. Қўшалок бошли бузоқ. Марғилоннинг қўшалок кулчаси. — Сизларга атаб олиб келдим, қизларим, — деди кампир ва бир жуфт қўшалок анорни рўмолидан олиб Адолатга узатди, — буниси сенга, қизим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Самоварчи қўшалок бармоқли панжасини чўзиб, бир кўчани кўрсатди. Ойбек, Қўтлуғ қон. Янги йил муборак! — Бўса ва оғуш, Қўшалок мағиздай икки тан бир пўст. Ф. Ғулом.

2 Бир вақтда содир бўлган, юз берган, бирга келган, қўш. Қўшалок байрам. — Фозил гўё кунда севганидан қўшалок хат олиб турадиган кишига ўхшаб, билимдонлик билан аспирарди. В. Ғофуров, Вафодор. Бола-чақа, набиралар, дўсти биродарлар билан қўшалок тўй кунини ўтказиш вақтини келишиб олдик. Т. Унабоев, Қумуш тўй.

**ҚҰШАЛОҚЛАМОҚ** Иккита-иккита, жуфт-жуфт қилиб бирлаштирмоқ, қўшалок қилмоқ. Қўйларни қўшалокламоқ. Сомсани қўшалоклаб тугмоқ. — Пайтдан фойдаланиб мен ҳам [еранатани] қўшалоклаб отдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ҚҰШАР** Қўй қўраси, қўтон.

**ҚҰША-ҚҰША** Жуфт-жуфт, бир неча жуфт; жуда кўп. Қўкрагида қўша-қўша орден ва медаллар. — Қўша-қўша палак, қўша-қўша паранжи, уч-тўрт ўйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшабар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҚҰШБОШ** Икки бошли. Қўшбош ёвуз бурғут темир тирноғин Одамзод бўғзига санчиб турсаю, Дилга сиғармиди фарзанд орзуси. Миртемир.

**ҚҰШИЛИШМОҚ** қўшилмоқ фл. бирг. н. Гага қўшилишмоқ. Суҳбатга қўшилишмоқ. — Дугонаси чиқиб ундоқ деди, холанг чиқиб бундоқ деди, ҳаммаси қўшилишиб сени олиб менга урди, мени олиб сенга урди. А. Қаҳҳор, Ориқ тишлар. Башарти, мен бу ваҳшатга иштирок қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни қузатиб қўшилишган бўламан? А. Қодирий, Ҳатан кунлар.

**ҚҰШИЛМА** I Турли элемент, қисм ва ш. к.нинг ўзаро қўшилишидан таркиб толган нарса, бирикма. Универсал асбоб .. икки айланувчи доиранинг қўшилмасидан иборат. «Астрономия».

2 Йирик ҳарбий қисм (бригада, дивизион)



зия, корпус ва ш. к.). [Хасанов] штабда қўшилма командири Чайкани учратди. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

**ҚҶШИЛМОҚ** 1 қўшмоқ I фл. ўзл. ва мажх. н. Беиша уч қўшилса саккиз бўлади. Сут қўшилган чой. Икки от қўшилган извои. Ғайратига ғайрат қўшилди. Колхоз чорвасига яна юз қорамол қўшилди. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Уч колхоз қўшилиб йирик совхозга айланди. Илғорлар ҳаракатига қўшилмоқ. Элга эл қўшилса — давлат. Мақол. — Болтабойнинг чеҳраси очилиб кетди. Отим чиқсин десангиз мусобақага қўшилиб бўлмас. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кампир .. болаларга қўшилиб хингилланган Нурига пичинг қилди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бирга бўлмоқ, аралашмоқ, эликмоқ. Сизнинг бир ёмон одатингиз бор: одамга қўшилмайсиз. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Тўғри деб билмоқ, қўллаб қувватламоқ, ёқламоқ. Бировнинг фикрига қўшилмоқ. Ёлғончига қўшилма, рост сўзини яширма! Мақол. — Мен Зокир отанинг тақлифига қўшилман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Муса аканинг гапларига қўшилман, деди Бектемиров. С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Бир тан, шерик бўлиб иштирок этмоқ, қатнашмоқ. Тўкмага қўшилмоқ. Ҳалфанага қўшилмоқ.

**ҚҶШИЛУВЧИ** 1 қўшилмоқ фл. ш. оти. Бу тақлифга қўшилувчилар қўл кўтарсин! || Давраимизга қўшилувчи одамлар борми?

2 мат. Бирор сон ёки миқдорга қўшилаётган иккинчи сон ёки миқдор. Қўшилувчилар ўрни ўзгаргани билан натижа (йиғинди) ўзгармайди. || Қўшилувчи сон.

**ҚҶШИМЧА** 1 сфм Бор, мавжуд нарса, ҳодиса ва ш. к.нинг устига қўшилувчи ёки уларни тўлдирувчи. Қўшимча маҳсулот. Қўшимча дарс. Қўшимча маъно. — Турғун сизга қўшимча хужжат бермоқчи. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. У .. домланинг ноҳўй ҳаракатлари тўғрисида қўшимча маълумотлар берди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўшимча равишда** боридан, мавжуд бўлганидан, ижро этилганларидан ташқари, устама равишда. Колхоз қўшимчи равишда юз тонна пахта топширди. — Элмурод Абдурашудан Олахўжа тўғрисида эшитганларига қўшимча равишда Давлатёрдан ҳам бир талай гап эшитди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўшимча қиймат** эк. капиталстик жамиятда ишлаб чиқариладиган товар қийматининг, нархнинг ёлланма ишчи меҳнати билан ишчи кучи қийматидан ташқари ҳосил қилинадиган ва капиталист томонидан ўзлаштирилладиган қисми. Қўшимча қиймат тўғрисидаги таълимот, Маркс иқтисодий назариясининг пойдевор тошидир. В. И. Ленин, Карл Маркс. **Қўшимча қилмоқ** қўшимча гап, фикр, тақлиф ва ш. к. изҳор қилмоқ, қўшмоқ. Хусайн Ога ўғли қўшимча қилди. Бахтимизга

сизларни учратиб қолдик. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 от Устама даромад, фойда. Сен колхозга қўшимча қидириб, ҳамманинг оёғини бир этikka тиқибсану, етти хазинанинг бири паррандчиликни кўрмабсан. И. Раҳим, Ҳилола.

3 от Муҳокамага қўйилган қарор, резолюция ва ш. к.га киритиш учун тақлиф этилган янги фикр, мулоҳаза ва ш. к. Қарор қўшимчалари билан бир оғиздан қабул қилинди.

4 от, грам. Сўзнинг ўзак ёки негизига қўшилиб, унинг маъносини ёки шаклини ўзгартирувчи ёки янги сўз ясовчи элемент; аффикс. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар.

5 от Асосий нарсага қўшилган, аралашган ҳар қандай бошқа нарса, аралашма. Ҳеч қандай қўшимчаси йўқ, тоза асал.

6 от, с. т. Илова.

**ҚҶШИН** Куролли кучлар мажмуи ёки унинг бир қисми; аскар, армия. Қўшин Тошкентга етган баъдида бизлар ташқаридан ва сизлар ичкаридан бўлиб Мусулмонқулни орадан кўтаргаймиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қўшинларимиз қарши хужумга ўтдилар. А. Қаҳҳор, Ҳи-хи. Хуллас, Юрвев батальони фашист қўшинларининг анча орқасида қолиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қизил Қўшин эск. Совет Армияси.

**ҚҶШИШ** 1 қўшмоқ I фл. иш оти. Ҳосилга ҳосил қўйиш. — Бу, ўртоқлар, фан билан тажрибани бирга қўйиш орқасида эришган ютуғимиздир. С. Анорбоев, Оқсой. Тешабой соябон аравани қўйишга буюрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 мат. Икки ёки ундан ортиқ соннинг йиғиндисини топиш амали; қўшув, жамлов, жамлаш. Қасрларни қўйиш ва айириш.

**ҚҶШИШМОҚ** қўшмоқ I фл. бирг. н. **ҚҶШИҚ** I Вокал мусиқий асар, ашула. Лирик қўшиқ. Ҳажвий қўшиқ. Халқ қўшиқлари. Қўшиқ айтмоқ. Қўшиқ басталамоқ. | Ашула овози. Қўча томонда чилдирма ва қўшиқ эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Лапар, терма.

**ҚҶШИҚЧИ** Қўшиқ ёки лапар айтувчи киши, хонанда. Чолғучилар бошладилар соз, Қўшиқчилар солдлар овоз. Ғ. Фулом. || Шу чоққача мўлтайиб ҳаёл ичида ийғиғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да қўшиқчи қизларга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚҶШИҚЧИЛИК** I қўшиқчи с. касб оти.

2 Қўшиқлар яратиш, қўшиқ басталаш. Ёш авторларнинг қўшиқчилиқ соҳасидаги ижодий кўриги.

**ҚҶШМА** I Биргаликда, бирлашган ҳолда амалга ошириладиган, ўтказиладиган, биргаликдаги. Қўшма ахборот. Қўшма мажлис.

2 Ҳазоро бирлашиб бир бутунлик ташкил этган, бирлашган. Америка Қўшма Штатлари.

3 грам. Икки ва ундан ортиқ негиз ёки сўздан ташкил топган. Қўшма феъл. — Бирдан ортиқ сўз билан ифодаланган кесим қўшма кесим деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги». Қўшма гап икки ёки бир неча солда гапнинг бирикувидан тузилган гап.

**ҚҶШМАЧИ** Бегона аёл билан бегона кишининг учрашувига, қўшиливуига воситачилик қилиб кун кўрувчи одам; далла. Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шундай наст тундимми! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ҚҶШМАЧИЛИК** қўшмачи с. касб оти. Яхши бўлди, кета қозинглар, деди хотинлардан бири унинг кетидан бурнини жийириб, — худодан қўрқармишлар булар? Биттаси қўшмачилик қилиб кун кўради. С. Зунунова, Гулхан.

**ҚҶШМЕТАЛЛ** Икки хил металлдан ясалган, биметалл. Қўшметалл пластина.

**ҚҶШМОЗОР** Ёнма-ён иккита мазор. Қўшмозор бўлмоқ бирга, бир вақтда ўлмоқ; қирилмоқ. — Худо хоҳласа, ҳаммаси қўшмозор бўлади! — деди Роҳатбиби. — Ҳақ жойида қарор топади. Ҳ. Фулом, Машғал. **Қўшмозор қилмоқ** бир вақтда, бирдан ўлдирмоқ, қирмоқ. Қишлоқларимизга рази солине .. тунов кўни Ғиждунов томондаги қишлоқлардан бирида деҳқонни таламоқ ниятида борган амир амлакдорларини сарбоз-парбозлари билан қўшмозор қилишди. С. Қароматов, Бир томчи қон.

**ҚҶШМОҚ** I I мат. Қўшув амалини бажармоқ, жам қилмоқ, жамламоқ. Беини беиша қўшмоқ.

2 Бирор нарсага бошқа нарсени аралаштирмоқ ёки солмоқ. Сутга сут қўшмоқ. Чойга шакар қўшмоқ. Лойга сомон қўшмоқ. — Гулдор ўқиб-ўқиб сўзлади: — Заҳар .. Салим қўшган. Ойбек, Қутлуг қон. I Бирга ишлатмоқ, аралаш истеъмол қилмоқ. Ҳар бир ақли бор одам қовунга пивз қўшиб ейиш нотўғри эканини билса керак. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Дарахтларнинг гулларидан сочилаётган ҳидни ҳаво билан қўшиб, ҳар қанча шимирсанг ҳам тўймайсан, киши. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

3 Бўлак-бўлак, алоҳида, мустақил нарсалардан бир бутунлик ҳосил қилмоқ, бирлаштирмоқ. Икки институтни қўшмоқ. Молу мулкни қўшмоқ. Қўриқни колхоз ерига қўшмоқ. — Ёппа бўлиб кучни қўшсак, Улар муштумзўр. Ғайратий.

4 Бирини бошқасининг ёнига, устига қўймоқ, тиркамоқ, ташламоқ; бир қилмоқ, бир қилиб қўймоқ. Хирмонга этак-этак пахта қўймоқ. — Шинель ва гимнастёркаларини ечди-да, туғун қилиб бошқаларниқига қўшди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Қўшимча равишда, устига устак яна бермоқ. [Мирзакаримбой] бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлқавой қўшиб Йўлчига ташлади. Ойбек, Қутлуг қон. | Қў-

шимча фикр, гап ва ш. к. айтмоқ, қўшимча қилмоқ; гап қистирмоқ. У *Хадичахоннинг сўзига нимадир қўймоқчи бўлди-да, ҳозир айтиб қолмаса, худди кечикиб қоладигандек шошиди*. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. — Бу ўзимизнинг кўчи, Янгиободнинг пўлат қуши! — деб қўшиб қўйди бстиқ кўзлари қувончдан ёнган Ефим тоға. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қишлар Ҳомид орқасидан сўзлашганда унинг отига тақилган лақабини қўшиб айтмасалар, *ёлғиз Ҳ.Смидбойи Эслии ила уни танита олмайдилар*. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Бирга ишлади, бирга ҳаракат қилиш ёки кўмаклашиш учун тайинламоқ, ёнига қўймоқ, ихтиёрига бермоқ. [Ўзбек ойм:] *Отабекнинг ёнига Ҳасаналини қўшиб Марғилонга юбораман*. А. Қодирий, Утган кунлар. Сизга ўзингизга ўхшаган қирови тўқилмаган одамлардан иккитасини қўшиб берман, *учқовларингиз .. тўқайдан ўтин қиласизлар*. А. Қаххор, Қўшчинор. *Иккинчи кун бу хабар янада бошқача тўн кийди: «Мусулмонқул Нормухаммад қушбегиа беш минг сипоҳни қўшиб, Тошкент устига жўнатган!»* А. Қодирий, Утган кунлар.

6 Бир қаторга қўймоқ, тенг, баравар деб билмоқ, ҳисобламоқ, тенглаштирмоқ. [Элмурод:] *Хўжайинлар мени одам қаторига қўшмасдилар*. П. Турсун, Ўқитувчи. [Шокир ота:] *Улар сени ўз жинсига қўшмайди*. Улар пул жинсидан. Ойбек, Кутлуғ қон. | Орасига, ичига, сафига киритмоқ, аралаштирмоқ. *Ойи, аммам боёқшининг ўғлини дадам мусофирлар, мардикорлар орасига қўшиб қўйди*. Дадамда сира инсоф йўқ-да. Ойбек, Кутлуғ қон. *Бориб-бориб ўз маҳалламизнинг болалари ҳам, мени келинди деб, йўлнинг қўшмайдиган бўлишган эди*. А. Қаххор, Қўшчинор. | Қотиштирмоқ, аралаштирмоқ, суқмоқ. *Ҳой, имонсиз чол, Мирҳайдар акани нега қўшасиз?* А. Қаххор, Қўшчинор. | (ж. к. билан) ... деб билмоқ, ҳисобламоқ. *Айбеа қўшмайсиз!*

7 *Этн*. Сарпо қилмоқ, сарпо, сеп тариқасида бермоқ. *Битта хитойи жузун мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг қимматбах заррин мурсагини .. қўшган эди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

8 Орттирмоқ, кўпайтирмоқ, оширмоқ. *Ақлингга ақл қўш, жаҳлингга сабр*. Мақол. — *Буен катта еримиз Ешига қўшди бир еш*. Т. Тўла. *Жуман Писмиқ унинг жаҳлига жаҳл қўшадиган қилиб кўлди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чиройли қиз — кўзнинг нурига нур қўшади*. Ойбек, Кутлуғ қон.

9 Арава, извош, омоч ва ш. к. ни тортиш учун тегишли абзал ёрдамида бириктирмоқ (от-улов ҳақида). *Ҳозир нариги тўриқ қашқани қўшаман жузвозга*. Н. Фозилов, Оқим. [Ермат] *отни қўшгандан кейин аравага қалин намат солди*. Ойбек, Кутлуғ қон. Офи-

цер ҳозир: *«қўшга қўшсанг ҳам майли, иш қилиб ўлдирман»*, — деб кетайтибди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. | От-улов тиркаб тайёр қилмоқ (арава, извош, омоч ва ш. к. ҳақида). *Фазлиддин .. аччиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошини қўйди*. Ойбек, Кутлуғ қон. У [Сидиқжон] *бир кунни, тулки дам олиш вақтида, Зиёдахоннинг сўровига кўра, эшак аравани қўшиб дарёдан сув келтиргани борди*. А. Қаххор, Қўшчинор.

10 Эркак киши билан аёлни уйламоқ, бир ёстиққа бош қўйдирмоқ, қоруштирмоқ. *Қирқ кун тўй қилиб, қирқ биринчи кечаси йиғитларни қизларга қўшдилар*. «Эртақлар». [Ҳасанали:] *Бекни уйлантирдим, севганига қўшиб қувонтирдим!* А. Қодирий, Утган кунлар. **Бошини қўшмоқ** уйлантирмоқ ёки эрга бермоқ. *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвоннинг ҳам бошини қўшиб қўярмиз*. Ж. Шарипов, Хоразм. | *Қўшмачилардек бегона эркакни рўпара қилмоқ*. *Хотинини қўшиб амал олиш у сизнинг касбингиз, мингбоши!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҚҶШМОҚ II** Қўшилиб турган, қўшилган; қўшалоқ нарса, қўшимча. *Қўрққанга қўш кўринар, қўшмоғи билан беш кўринар*. Мақол.

**ҚҶШНАЙ** Бириктирилган икки найли, сурнай каби оғизга олиб пуфлаб чалинадиган музыка асбоби. *Қўшнай садоси*. Қўшнай чалмоқ.

**ҚҶШНАЙЧИ** Қўшнай чалувчи созанда.

**ҚҶШНИ I** от Уйларни, ҳовли-жойларни ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан). *Яқин қўшини*. *Ён қўшини*. *Ҳовли олма, қўшини ол*. Мақол. *Гилям сотсанг, қўшинингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан!* Мақол. — [Қосимжоннинг] *ойиси қўшини билан гаплашиб турарди*. У. Умарбеков, Она. *Бир қаричликдан дуторни севаман, бир қўшини келинчақдан ўрганган эдим*. Ойбек, Кутлуғ қон. | *Иш жойи ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан)*. [Отабек] *гузарга чиққанда, Ҳасаналининг қўшиниси бўлган Али эринибгина дўкон тахтасини туширмоқда эди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *сфт* Ёнма-ён турган, жойлашган, бир-бирига яқин, чегарадош. *Қўшни бригада*. *Қўшни маҳалла*. *Қўшни колхоз*. *Қўшни қишлоқ*. *Қўшни мамлакатлар*. — *Йиғит ялт этиб қўшни далага қаради*. У *ерда хотин-халалар, бола-чақалар чувиллашиб пахта теришайтган эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қўшни бурчақлар мат**. бир томони умумий бўлиб, қолган икки томонини бир тўғри чизик ташкил этган иккита бурчак.

**ҚҶШНИЛИК I** қўшни с. махс. от.

2 *айн*. қўшничилик.

**ҚҶШНИЧИЛИК** Қўни-қўшбилар ўртасидаги борди-келди муносабатлари, қўни-қўшничилик. *Қўшничилик қилмоқ*.

**ҚҶШОВОЗ** муз. Икки овоз билан иж-

ро этиш учун ёзилган музыка асари ҳамда шундай асарни ижро этиш; дуэт.

**ҚҶШОЁҚ** Орқа оёқлари ва думи узун, сакраб юришга мосланган тунги кемирувчи сўтэмизувчи хайвон. *Илиқ тун .. Қўшоёқларнинг чийиллаши, аҳен-аҳенда дардчи бўзоқнинг азоб чекиб инграши сингари совуқ нидолар ҳам эшитилади*. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҚҶШОТАР** Қўшоғиз милтиқ. Эгелди ёйилиб кетган сурувга кўз ҳам ташламай, *қўшотарини қучоқлаб яна ўтирди*. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. || [Мадамин] *қишлоқдан чиққандан кейин қўшотар ов милтиқни осмонга қаратиб устма-уст икки марта ўқ узди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚҶШОҚ I** *сфт* Бир-бирига қўшилган; қўшалоқ. *Қўшоқ сомса*. — *Бир кўзи ғилайроқ, .. Тиканак сингари Қошларни қўшоқ*. Тўйғун. *Анави малла йиғит .. чилдирмани қўшоқ қилиб чаладиган, ҳунари ўткир чилдирмачи*. С. Анорбоев, Оқсой.

2 *от, с. т.* Умр йўлдоши, эр ёки хотин (бир-бирига нисбатан). *Бошқача гапларни кўнглингга келтирма, қўзим!* *Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи — боламизсиз!* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 *от, махс.* Бир арқон билан боғланган икки ёки бир неча қўй; ўзаро боғланган қўйлар тўдаси. *Чўпонлар ҳам сотилмай қолган қўйларни қўшоқлардан чиқариб, ўтлоқларга ҳайдадилар*. Айний, Дохунда. *Тўламат Сувожон билан бирга жуни ўсиқ қўзларни тутиб, қўшоққа тиркашмоқда*. С. Анорбоев, Оқсой. **Қўшоқ арқон** бир неча қўйни ўзаро боғлаш учун белгиланган узун арқон. *Омон белидан қўшоқ арқонини ечди*. Ф. Ғуллом, Шум бола. **Қўшоқ қилмоқ** қўшоқлаб боғламоқ, бир нечасини бир арқонга боғламоқ. | *с. т.* Умуман тўда, тўп; гуруҳ, группа. *Олдинги туялардан бир нечаси қўшоғидан ажралиб келди-да, кийикни ўзига қўшиб олди*. И. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. *Қолхозчи болалар ва қизлардан икки қўшоқ қўриқчилар тўдаси ташкил қилиб, болаларнинг ўзига ҳар бир қўшоққа бир бошлиқ сайлатди*. А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Қўшоқ (эркақлар исми; одатда олти бармоқли одамларга қўйилади).

◆ **Қўшоқ бармоқли** одам олти бармоқли одам. **Қўшоқнинг орқасида** (ёки ичиди) бўшоқ бир неча айбдор, гуноҳкор, жиноятчи ва ш. к. ичиди бегуноҳ жазоланган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

**ҚҶШОҚЛАМОҚ** махс. Бир-бирига бириктириб, бир арқон билан боғламоқ, қўшоқ қилмоқ (қўй, эчки ва ш. к. хайвонлар ҳақида). *Омон белидан қўшоқ арқонни ечди*. Қолган қўйларни қўшоқладик. Ф. Ғуллом, Шум бола.

**ҚҶШОҒИЗ** Стволи иккита бўлган, кетма-кет икки ўқ отиш мумкин бўлган, икки стволли (милтиқ ҳақида). *Шербек тўриққа устма-уст қамчи бос-*

ди. Йўл-йўлакай қўшоғиз милтиқни бир қўлида ушлаганича елкасига қўйиб, отишига чоғлаб борди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚУШТАВАҚА(ЛИ)** Тавақаси иккита бўлган, икки тавақали. Қўштавақа эшик. — Бу қўрғоннинг .. катта қўштавақа дарвозасида посбон бўлиб «Олапар» деган катта кўппак ит шар экан. С. Абдулла, Уртоқ Холназаров.

**ҚУШТИРМОҚ** қўшмоқ 1 фл. орт. н. Тонг отмай қўш қўштирмоқ. — Қоражонни қишлоқдан чиқариб, элга қўштирмай, Олатодан жой бериб қўйди. «Алпомиш». Оқсоқол тонг қоронгисида изови қўштириб қувёнинг олдига борди. С. Ахмад, Ҳукм.

**ҚУШТИРНОҚ** Қўчирма гап, цитата, сарлавҳа ва шунингдек, кўча маънода ишлатилган сўзларни ёзувда ажратиб кўрсатиш учун ишлатиладиган белги (« » белгиси). Қўштирноқ очмоқ. Қўштирноқни ёлмоқ. Сўз ёки гапни қўштирноқ ичига олмоқ. — Қўчирма гап ёки цитатани, автор гапидан ажратиш учун, қўштирноқ қўйилади. «Ўзбек тили дарслиги».

**ҚУШТИҒ** 1 Икки тигли, дудам. Қўштиғ пичоқ.

2 диал. Қўшоғиз, қўшотар. Қани энди, қўштиғ милтиғинг бўлса-ю, сочма ўқ билан бир отишда ҳаммасини уриб олсанг! С. Ахмад, Мухаббат. [Элмурод] дам олиш кунларида Абдураҳимнинг қўштиғ милтиғини олиб, овга чиқиб кетарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚУШТОР** муз. Икки торли.

**ҚУШТУЁҚЛИЛАР** Қорамоллар, қўйлар каби туёқлари бир жуфт бўлган сүтэмизувчиларнинг бир туркуми.

**ҚУШУВ** 1 қўшмоқ фл. иш оти. Хайдар ота .. бирининг қайғуси иккинчисининг қайғусига қайғу қўшувига кўзи етиб қолди. А. Қаххор, Асрор бобо.

2 мат. Қўшиш амали. Тузук, алифбени билиб олибсиз. Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз. Тузук! Х. Фулом, Машъал.

**ҚУШХОНА** 1 Қароллар, хизматкорлар, қўшчилар учун белгиланган турар жой. Бойнинг ерининг юқорисиди, баландгина бир парча саҳн хизматкор ва мардикорларнинг қўшхонаси эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Сафарда қўниш, истиқомат қилиш учун белгиланган жой, сарой. — Мен оғирсингансимон ўйланиб олдим ва хўп, қўшхонам узоқ бўлса ҳам бир хабар олиб ўтарман, — дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚУШЧИ** 1 Қўш хайдовчи киши. Ер ҳайдашига чиққан қўшчиларнинг қуйлаган овозлари эшитилиб, мени ўз томонига тортди. Айний, Эсдалиқлар.

2 Феодал-бойларга ёлланиб ишловчи камбағал деҳқон; қарол, чоракор, батрак. Минг қўшичига бир бошичи. Мақол. — Ҳукумат камбағал, қўшчи-батраклар бойларнинг оғилхонасида моллар билан бирга ётмасин, ерлик, қўш хўқизлик бўлсин, дейди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Умуман камбағал деҳқон. Ле-

нин имзо кедди кетма-кет, — янги Декрет. Диктатура — ишчига, Тупроқ эса қўшичига! Миртемир.

3 тар. Батрак, қарол, чоракор ва камбағал деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун тузилган, 1919—1930 йилларда фаоллият кўрсатган касаба ташкилоти. Стол ёнида комиссия аъзолари, «қўшичи» фаоллари ўтирадилар. А. Қаххор, Сароб.

**ҚУШЧИ-ҚУЛОНЧИ** айн. қўшчи 2. Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшчи-қўлончи, сайис, мирохўр, бою боёнлар, ошна-оғайниларингизга хат-патингиз йўқми? Ғ. Фулом, Шум бола. Ана шу давлатларнинг ҳаммасини қўшчи-қўлончилар Миржалол қуруқнинг .. катта қўрасига ташиб келтирар эканлар. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**ҚУШҚАБР** Ёлма-ён икки қабр, қўшмозор.

**ҚУШҚАВАТ(ЛИ)** Устма-уст икки қават қилиб қурилган, икки қаватли. Қўшқават кўркам биналар тагидаги асфальт йўлчаларда йўловчилар, кўчада машиналар турнақатор. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ҚУШҚАНОТ(ЛИ)** 1 Иккита қаноти бўлган, икки қанотли. Қўшқанотли самолёт. — Бу хат менга ҳаёт берди, бағишлади қўшқанот. Чапак чалиб табриклади Гўё мени коинот. Шухрат.

2 Икки тавақали, қўштавақали. Ўз умрида биринчи марта Очилди қўшқанот дарвоза. Э. Раҳим. Енгил машина сифатидан қўшқанотли эшикдан почтальон кириб келди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ҚУШҚАНОТЛИЛАР** Икки қаноти бўлган ҳашаротлар отрядининг номи.

**ҚУШҚАРОҚ** 1 диал. Чиғирик. 2 махс. Чиғирикнинг икки ўқи учиди бир-биридан ҳаракат олувчи бир жуфт шестерия.

**ҚУШҚУЛОҚ** 1 Икки томонида қулоғи бўлган қувачасимон сопол идиш, хурмача. Саид Жалолхон раиснинг олдидаги қатикни қўшқулоғи билан олиб чиқиб ариққа ташлади. А. Қаххор, Башорат. Бир қўшқулоқ қатик фалон пул. А. Қаххор, Сароб.

2 Эндигина униб чиққан, икки уруғ-бардангина иборат бўлган ниҳол. Чигит экиб, ғўзаларимиз қўшқулоқ бўлгунча не-не машаққатларни бошимиздан кечирмадик! С. Абдуқаххор, Қувондиқ. — Қиш ўтди, баҳорда қарасам мундоқ Остиндан ниш уриб чиқибди гиёҳ, Гиёҳки, ингичка, нимжон, қўшқулоқ, ажабол! — дедиму термулдим узоқ. Шухрат.

**ҚУШ-ҚУШ** айн. қўша-қўша. [Ойшабону] ёқут кўзли қўш-қўш узуклар порлаётган семиз бармоқлари билан ғўлага ўхшаш тиззаларини силар экан, қўшиб қўйди. Х. Фулом, Машъал. Сен тенги келинчакларнинг уйига кирсанг, оғзинг очилиб қолади: қўш-қўш тилла соатлар, тилла билгаузуклар. А. Қаххор, Сароб.

**ҚУШҲОКИМИЯТЧИЛИК** Бирор мамлакатда, шаҳарда ёки ташкилотда

бир вақтнинг ўзида икки ҳокимият ёки икки хил раҳбарлик мавжуд бўлган ҳолат. Февраль революциясидан кейин Россиянинг ҳамма ерида бўлганидек, Туркистонда ҳам қўшҳокимиятчилик вуҷудга келди. Ю. Тошпўлатов, Бинокорлар касаба союзи.

**ҚУЯРДА-ҚУЙМАЙ** рви Истагига, хоҳинига қарамасдан, мажбур қилиб, зўрлаб, қистаб, қўймай. Кечга томон [Отамирза] рафиқасини қўярда-қўймай қийинтирди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. Ойим қўярда-қўймай қўлимга тутқазган тузунчани ўйнаб, секин хиргойи қилиб бораман. Ш. Отамуродов, Кўнгил.

**ҚУҚОНАРАВА** (тўғриси қўқон арава) Иккита катта гилдиракли арава.

**ҚУҚОНГУЛ** Мураккабуллиларга мансуб, гули турли рангда очиладиган ва ҳидсиз ўтсимон ўсимлик. Уларнинг уйидаги гулларнинг-ку сон-саногий йўқ; гулбеор, гулрағно, гулсапсар, гулҳамишабахор, қўқонгул, қалампиреул. Ғ. Фулом, Шум бола.

**ҚУҚОНЖУХОРИ** Жўхорининг попуksимон бошоқли нави, оқ жўхори. Қўқонжўхори эмок. Қўқонжўхори гўжаси. — Атрофда ҳеч ким йўқ; қўқонжўхори баргларининг шамолда шилдирашидан бошқа ҳеч қандай сас йўқ эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҚУҚҚАЙШМОҚ** қўққаймоқ фл. бирг. н.

**ҚУҚҚАЙМОҚ** 1 с. т. Тикқайиб, дўмпайиб хунук кўриниб турмоқ; беўхшов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, қўнқаймоқ. Жўраларнинг уйи тепаликда, якка ўзи қўққайиб туради. Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. Унда-мунда қўққайган эски .. тўнқалар ҳам .. ёқимли, жозибадор туйиларди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Тик ғўдайиб, қаққайиб турмоқ, қаққаймоқ. Тўқсонов ўз орқасида қўққайиб, ўзини кўрсатиш учун аллақондан бери буйруқ кутиб турган Дадобойга қичқирди: — Олинг! Нимага қараб турибсиз! П. Турсун, Ўқитувчи.

3 айн. қўнқаймоқ 2.

**ҚУҚҚАЙТИРИЛМОҚ** қўққайтирмоқ фл. мажҳ. н. [Мирқарим] шовқинли сувлар бўйида жойлашган гўмбаздор мазорлар, улар устига от ёлидан қўққайтирилган туғлар, сўппайган минорали мачитлар орасида уч ой юргач, яна Тошкентга келиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҚУҚҚАЙТИРМОҚ** қўққаймоқ фл. орт. н. Зулукхоннинг шаҳарда қўққайтирган иморати Мирҳосиннинг ножўя ҳаракатларига жонли далилдай, «мана мен» деб турибди. Х. Фулом, СЕНГА интиламан.

**ҚУҚҚИСДАН** рви Қутилмаганда, тўсатдан, бирдан. Қўққисдан ҳужум қилмоқ. — Эшикнинг қўққисдан очилиши .. Вали акани чўчитиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўққисдан берилган бу савол олдиди Қодирбек ни-ма даярини билмай, тикилганча қолди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

**КЎҒА** айн. қовға II. Хужрага кириб, *гўшт, ёғ, кўғага боғланган тўртта умирбоқи қовун, .. хужрада қалалиш ётанини кўрди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**КЎҒАЗОР** Нуқул кўға ўсиб ётган, кўға босган жой. *Кўйлар кўғазорда, кўй ейдиган янтоқ Бақақуруллоқда — бечоралар баъзан оч қолар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЎҒАЙ** айн. қовға II. *Саваат тўқмоққа ярагай кўғай.* Ғ. Ғулом. *Мўй-таккўлда говлаб ўсган .. кўғай худди ёв босиб келайтганидай шовиллайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қисаси.

**КЎҒИРМОЧ** Қозонда қовурилган бугдой. *Наврўз кирарда .. кўп жойда ўрик қайнатилади. Кўғирмоч қовурилади.* М. Алавия, Наврўз — баҳор байрами. *Тоҳир ойисининг кўғирмоч ушлаган ҳовучини қисиб: — Менга унаштирилган ким? Ростини айтиб бер,— дебди.* «Эртақлар».

**КЎҒИРМОҚ** диал. Қовурмоқ.

**КЎҒИРЧОҚ** 1 Одамга ёки бошқа бирор нарсага ўшатиб ясалган болалар ўйинчоғи. *Резинка кўғирчоқ. Кўғирчоқ театри. Кўғирчоқ ўйнамоқ.* — *Ўн-ўн бир ёшларга кирган иккинчи қиз қизил қаламини оғзида ҳўллаб, кўлидаги кўғирчоққа қош-кўз ясар ва .. ашула айтарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *Кўчма Бошқаларнинг амри, истаги билан иш тутувчи, мустақил иш юргизолмайдиган киши, хоким, ҳукумат ва ш. к. Биронинг қўлида кўғирчоқ бўлмоқ.* || *Кўғирчоқ ҳукумат.* — *Ҳа, сизлар учун раис нима, кўғирчоқми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**КЎҒИРЧОҚБОЗ** Кўғирчоқларни ўйнатиб томоша кўрсатувчи артист; кўғирчоқ театрининг артисти. *Созандалар дастаси катта бўлмай, бир чирмандачи, бир ногорачи, бир сурнайчи, бир раққос ва битта кўғирчоқбоздан иборат эди.* Айний, Эсдаликлар.

**КЎҒИРЧОҚБОЗЛИК** 1 кўғирчоқбоз с. касб оти.

2 Кўғирчоқларни ўйнатиб томоша кўрсатиш; кўғирчоқ театри. *Илгарӣ ҳайит кунлари Кўмирсаройда кўғирчоқбозлик, «қодир ҳаёл» бўлар эди.* Энди номини бошқа қилиштирди-да, мазмун! Ойбек, Кутлуғ қон.

**КЎҒИРЧОҚДАЙ** -дек Жуда келишган, чиройли, гўзал. *Менга қара, ўғлим, сенга айтсам, аянг ўша пайтда кўғирчоқдек жуван эди.* А. Муҳиддин, Ҳада. *Маҳалламизда уч-тўртта участка бор. Кўрган одамнинг кўзи ўйнайди.* Оқлаб, кўлаб, кўғирчоқдек қилиб кўйилган. Т. Алимов, Одамсиз уйлар.

## Ғ

Ғ ўзбек алфавитининг ўттинч тўртинчи харфи; қ. ғе.

**ҒАВВОС** [а] 1 Сувга шўнғувчи, сув

остида дур изловчи киши. *Етар мақсадга меҳнат бирла меҳнаткаш қилиб журғат.* Топар ғаввос бўлиб дарёи меҳнатдан дури роҳат. Ҳабибий.

2 Сув ўтказмайдиган махсус кийимда сув ости ишларини бажарувчи ишчи. *Кеманинг юкيني ғаввослар неча асрлардан кейин — яқиндагина сув юзасига чиқардилар.* Х. Каримов, Санъат сеҳри.

**ҒАВВОСЛИК** ғаввос с. касб оти. *Ғаввослик қилмоқ.* — *Бул ҳаваслик, каминани ёшлик пайтларида шеърят баҳрига ғаввосликка ундаган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ҒАВҒО** [ф-т] 1 Бетартиб овозлар, қий-чув, шовқин. *Юлдузларни ўпади Учган садолар. Шўхлик билан боғчага Тўлган ғавғолар.* Ғайратий. *Кўшиғида, навосида онам бедор айтган алла, Сайроқ қушлар ғавғосида ошиқона, бўйдоқ яла.* Миртемир.

2 Жанжал; уриш, ғалва; низо. *Қонли ғавғолар. Ғавғо чиқармоқ (кўз-ғамоқ).* Ғавғо кўтармоқ (қилмоқ). — *Ҳамма ғавғо, ҳамма машаша ўша ерда бўляпти.* Х. Тўхтабоев, Шаҳар бедарвоза эмас. [Шарифа буви] .. «Эрим бир нима бўлди деб ғавғо кўзгаб қолмаса гўрға эди», — деб юраги така-пука бўлди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Тор ҳовлиларга қамалган эшаклар билан эшаклар, отлар билан отлар, .. уришиб катта ғавғо кўтармоқда.* Айний, Қуллар.

3 Ғам, ташвиш. *Ҳаммада бир ташвиш бор, ота! Тиркичилик ғавғоси ёлғиз сизда эмас.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Бир рўзгорда ўша рўзгорнинг ўз ғавғоси ҳам етади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҒАВҒОЛИ** 1 Ғавғо ёки жанжал чиқадиган, жанжалли; ғаввали, мушкул. *Ғавғоли иш. Ғавғоли масала.*

2 Ғавғо ёки жанжал бўлиб турадиган, жанжалли. *Ғавғоли жой. Ғавғоли оила.*

**ҒАВҒОСИЗ** Ғавғо ёки жанжал бўлмайдиган, жанжалсиз, беғалва. *Ғавғосиз иш. Савдо ғавғосиз бўлмас, полвон гавдасиз бўлмас.* Мақол. | *Ташвишсиз, осойишта, тинч. Оз ошим, ғавғосиз бошим.* Мақол.

**ҒАВҒОЧИ** Арзимаган нарсага ғавғо ёки жанжал чиқарувчи, жанжалкаш. *Ғавғочи одам.*

**ҒАДАБ** [а]: **ҒАДАБ** қилмоқ ёки **ҒАДАБГА** олмақ айн. **ҒАДАБЛАМОҚ**. *Бошда юлмоқ супурги бўлган бой, аканнинг аҳолини бир оғиз сўрамай, ғадабга олишини кўрдингми.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ҒАДАБЛАМОҚ** Бирор иш-ҳаракати учун койимоқ, танбех бермоқ. *Ҳамиша мени ғадаблар эдингиз, энди қалайсиз, Халчаҳон? Қ. Яшин, Ҳамза. Тоживой тажанг .. хотинини ишлатмас экан. Аммо ишлайман, топганимни туй қилсан, деб ғадаблаёвераркан.* И. Раҳим, Ҳилола. | *Дўқ ёки лўписа қилмоқ.* [Болта:] *Сидиқжон, сен Муҳаббатга қарашиб тур, зериктирма (жим*

ўтирган Сидиқжонни ҳам билан ғадаблаб). И. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ҒАДАБЛОВ** Танбех бериш, ғадаблаш. *У дадасининг муомаласи ўзгарганини кўриб севинди ва ҳозиргина бўлиб ўтган ғадабловни унутиб, яна қувноқлаиди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ҒАДАНГ** [ф-т] диал. Ҳаданг. *Ғажакдор думларини ғаданг кўтариб ўрмалаган чаёнлар, калтакесакларнинг саноғи йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҒАДДОР** [а] кт. 1 Сотқин, хонин, зolim. *Ғаддор ёв.* || *Ғаддорлардан ўч олмақ.* — *Эҳтиёт бўл, ясовулбошимиз Шерназарбой кўп ғаддор одам,— деди Утар бува Авазга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Хиёнаткор, маккор, фирибгар. *Ёшлигимни зулукдай сўрди Матқаримбой деган бир ғаддор.* Э. Раҳим. — *Хоним афандининг бадкор ва ғаддор бир осий кўлидан кўрган бу қадар жабру ситамлар ҳаддидан зиёд деб ўйлайман, афандилар! — деди Фосих афанди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ҒАДДОРЛИК** ғаддор с. мавҳ. от. *Шеър хусусида айбланишим .. бутунлай ғаддорлик ва жаҳолат эмасми? Ойбек, Нур қидириб. Ҳаётда ҳали ғаддорлиге мақсад йўлида учрайдиган пасту баландликларга дуч келмаган қиз, борлиги билан Умидга интиларди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**ҒАДИР** [а] айн. **ҒАДИР-БУДУР**. [Тешабой] *ёмғир ўтмайдиған брезент куртқа, иссиқ қулоқчин кийиб олибди. Кўллари ғадир, томирлари ўйнаб чиққан.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

**ҒАДИР-БУДУР** Сирти силлиқ эмас, нотекис; ғудда ёки қабарчиқлар билан қопланган; ғўдир. *Ғадир-будур қўл.* — *Мамат бир дам ўзини йўқотиб қўйди.* Юзидаги хижолат жаҳл билан алмашинди, ғадир-будур башарасидаги туклар тикка бўлиб кетди. С. Анорбоев, Мехр. *Шукуржон тошинг ёнмега тиз чўкиб, ўнинг кўшида чўғдек қизиган ғадир-будур сатҳига лабини босди.* О. Ёқубов, Ота издан. | *Паст-баланд, ўнқир-чўнқир. Ғадир-будур ер.*

**ҒАЖИЛАМОҚ** Узоқ вақт ғажимоқ, мужимоқ, кемириб емоқ. *Ит суяк ғажилामоқда.*

**ҒАЖИЛАМОҚ ҒАЖИМОҚ** фл. мажҳ. н. Бўш ишшлар, консерва қутчалари, ғажилган суяклар ерга сочилган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҒАЖИМОҚ** 1 Суяк, қаттиқ нон ва ш. к.ни кемириб емоқ, мужимоқ (кўпинча ит, мушук, йиртқич хайвонлар ҳақида). *Ит суяк ғажияпти. Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни.* Мақол. — *Кўчада ётган суякни қайси ит ғажияпти!* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. *Бир олапар эллик қадамча нарида алланарсани ғажир эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 с. т. Емоқ; кемирмоқ. *Элмурод онасининг сўзи билан сабзи ғажиб турган қизчага қаради ва сабзи еиси келиб, ютинди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Тишлаб, чайнаб нобуд қилмоқ; ғажилаб ўлдирмоқ. Дарахт кўчатларини моллар ғажиб қўямасин. — Қаердадир қамшизорда бир номағълум девонани ит ғажиб кетган бўлса, бунда кимнинг нима иши бор? А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Отлар ҳалок бўлди, эшакларни йиртқиқлар тунда ғажиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

4 Кўчма Тилка-пора қилиб юбормоқ, абжағини чиқармоқ; мажоқламоқ. Одамлар ажратмаганда, бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Қўйиб берса, ҳозир улар бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр эдилар, аммо чўтир кишининг амирона ваэмин овози уларни [босмачиларни] босиб қўйди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

5 Кўчма Қаттиқ зарб билан шикастламоқ, эзмоқ, мажақламоқ, емнрмоқ. Машинанинг эшиги қўлимни ғажиди. — Автоматлар, пулемётлар тўхтовсиз ўқ сепади. Миналар ҳар қадамга тушиб, ерни ғажий бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ Ит ғажиган суякдай (ёки ошиқдай) жуда озғин, нимжон, хунук. Сен қўлимни ушлаша! зор бўлиб юрган йигитларнинг битта ҳаром тукига арзийман! Ниманга шиносан?! Чиройинггами?! Ит ғажиб ташлаган ошиқдайсан. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҒАЖИР Улимтиқлар билан овқатланадиган бургут каби катта йиртқиқ куш. Ширинни боғлади тоғнинг тошига, Ғажир эга бўлар, деди лошига. «Ширин билан Шакар». Ҳар ўликка қуёғун тушиб, Ғажир қўниб тортқиляшиб, Тортишди майдон ичинда. «Равшан».

ҒАЖИРЛАМОҚ Ишқаланиш натижасида ғашга тегадиган товуш чиқармоқ, ғижирламоқ, ғичирламоқ. Танкларнинг занжирлари ғажирлар эди.

ҒАЖИРЛАТМОҚ ғажирламоқ фл. орт. н. Машинга темир-терсақлар уюмини ғажирлатиб босиб ўтди. — Тикан пишган вақти эди, кампир ялангоёқ, ғажирлатиб тиканни босиб келатди. «Равшан».

ҒАЖИР-ҒУЖИР тақл. с. Кишининг ғашига тегадиган, ғичирлайдиган товуш ҳақида; ғичир-ғичир. Ғажир-ғужир қилмоқ. Арава шағал устидан ғажир-ғужир юриб кетди.

ҒАЖИТМОҚ ғажимоқ фл. орт. н. ҒАЖИШМОҚ 1 ғажимоқ 1—4 фл. бирг. н.

2 Кўчма Бир-бирини айбашга, йўқ қилишга уринмоқ; жанжаллашмоқ, уришмоқ, талашмоқ. Ғийсиддин кутандек замона тинчимади. Темурнинг неварачеваралари қонга ташна бўрилардек, бир-бирлари билан ғажушиб, халқнинг қонини сундек тўжа бошладилар. М. Осим, Зулмат ичра нур.

ҒАЗАБ [а] Кучли даражада нафратланиш, аччиғланиш ҳисси, қаҳр, жаҳл. Ғазаб қилмоқ. Ғазаб билан гапирмоқ. Ғазабдан тушмоқ. — Кечкурун жамо-

ат жам бўлганда, ғазабдан кўкариб кетган кампир етти пуштидан қолган уч бойлам васиқани ўртага кўтариб урди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Уни кўрган Мадаминнинг чўтир юзи тортишиб, кўзларида ғазаб уқунлари чақнади. П. Турсун, Ўқитувчи. Саримсоқ ғазоби қайнаб конвойга дўнғиллайди, лекин унинг ҳам қўлидан ҳеч нима келмайди. М. Исмоний, Фарғона т. о. — Худо ғазаб қилган бандасини шу куйга солади,— деди кампир васиқаларни тахлаётган,— наҳот киши ўз мулкига ўзи душман бўлса! А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ғазби келди (ёки тутди) ғоят нафратланди, ғазабланди, жаҳли чиқди. Қанизак Сидиқжоннинг юзидаги зўр ташвиш ифодасини кўриб, унга раҳми, атлас кўйлак кийган олифта жувонга нафрати, ғазоби келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Унинг [Хўжабековнинг] кўз олдига Шербекнинг қиёфаси келди. Ғазоби тутди. «Кўрнамак!» — сўкинди у. С. Анорбоев, Оқсой. Ғазабга минмоқ ўта даражада ғазабланмоқ.

◆ Худонинг ғазоби с. т. ўтакетган жоҳил, муттаҳам, ярамас (одам ҳақида).

ҒАЗАБДОР [а+ф-т] фольк. айн. ғазабкор. Отангининг элига бора кўрмагин, Бизларни ўлдирар отанг ғазабдор: «Эрали ва Шерали».

ҒАЗАБКОР [а+ф-т] кт. Нафрати, ғазоби тўлиб тошган, ғазабланган. Халқ ғамсин, ғазабкор, юраклари эзилган ҳолда тарқалади. Ойбек, Болалик. Уша кунни Махачқала комитети ваҳшийларча ўлдирилган кекса балиқчининг ғазабкор ўғлини большевиклар сафига қабул қилди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҒАЗАБЛАМОҚ Ғазаб билан гапирмоқ, ғазаб қилмоқ, дўқ қилмоқ. Жаллодлар ўғлонларни .. подшонинг назарига тўғри қилиб: — Подшомизнинг ҳақиқа дуо қил! — деб болаларни ғазаблади. «Эрали ва Шерали».

ҒАЗАБЛАНМОҚ Ғазоби келмоқ, қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғоят аччиғланмоқ. Кампир ғазабланди. — Эллиқбоши ғазабланиб, хотиннинг бошига қўл кўтарди, лекин урмади. Ойбек, Қутлуғ қон. — Бу қандай одам? Бу нима қилиқ? — деб ғазабланди ўзича Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒАЗАБЛАНТИРМОҚ ғазабланмоқ фл. орт. н.

ҒАЗАБЛИ Қахру ғазабни ифодаловчи, нафрат ва ғазабга тўлган. Мингбоши дарҳол етиб келди-да, аёғлар олдига тўхтаб, ҳокимнинг ғазабли юзига термилди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Ора-сира аёлларнинг қотилларни турли хил ғазабли иборалар билан қарганларни эшитиларди. П. Турсун, Ўқитувчи. Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқиқдай увлаб йиғлашлар тинди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Ғоят жаҳли чиққан, ғазабланган, дарғазаб. У [Йўлчи] бўйини қўзиб, қайноқ,

асабий, ғазабли омгани, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботиб халқни, кўздан кечирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ҒАЗАБНОК [а+ф-т] кт. айн. ғазабли. Ғазабнок хитоблар. || Ғазабнок бўлиб сўзламоқ. — Беномус баттоллар! — деган ғазабнок товушлар эшитилди. Отлиқлар қилчларни яланғочлаб, қий-чўв кўтарган аёлларни чопа бошладилар. М. Осим, Ўтрор. [Гулчеҳранинг] янгроқ овози янада ғазабнок жаранглайди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Жулдур кийим деҳқонларни кўриб юрагим эзилар, .. бойни кўриб ғазабнок бўлар эдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҒАЗАЛ [а] поэт. Биринчи байтнинг ҳар икки мисраи, қолган байтларнинг охирги мисраи қофиядош бўлиб келадиган ҳажми чекланган лирик шеър. Навоий ғазаллари. Ғазал эзмоқ. Ғазал ўқимоқ. — Унга манзур бўлур дея бир баҳона тўқидим Ва Ҳофизнинг ғазалидан машҳур байтни ўқидим. Шайхзода. Хунарим, маълумингиз — ғазаллар ёзиш; Баъзан бир ўнжо қилур қонимга ташна. Ғ. Ғуллом.

ҒАЗАЛБОП Ғазал ёзишга арзийдиган. Янгидир маҳаллам, гузарим — Харита кўрмаган Чилонзор, Эл қўли яратган ғўзалим, Ғазалбоп навниҳол чаманзор. Х. Ғуллом.

ҒАЗАЛҒҮЙ [а+ф-т] 1 кт. айн. ғазалнавис. Ғазалғўй шоир. — Тиз чўк, тиз чўкмас тиззам, Букил, букилмас белим, Элдан кетди муаззам Ғазалғўй чўнг муаллим. 3. Обидов.

2 айн. ғазалхон.

ҒАЗАЛҒҮЙЛИК ғазалғўй с. касб оти. Ғазалғўйлик қилмоқ.

ҒАЗАЛИЁТ [а] Ғазаллар; ғазал усулида ёзилган шеърлар. «Сизлар мени диндор одам йўлаб, ғазалиётимни маъқулламаётибсизлар» деб, динсизлигини исботлаш учун атайин қоғозга ўраб келган бир тўғрам колбасани ғарч-ғурч чайнаб кўрсатади. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ҒАЗАЛНАВИС [а+ф-т] Ғазал ёзувчи. Ғазалнавис шоир.

ҒАЗАЛНАВИСЛИК ғазалнавис с. касб оти. Ғазалнавислик катта ишқибозлик натижасида пайдо бўлади. Шайхзода, Ғазал мулкининг султони. Шарқ адабиётида ғазалнависликнинг такомил ва ривожига Ҳофизнинг тутган мавқеи жуда буюқдир. В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоири.

ҒАЗАЛХОН [а+ф-т] 1 Ғазал ўқувчи, ғазал айтувчи; ғазал шинавандаси. Кечкурун бу ерга ғазалхонлар йиғилади.

— Атлас боғларингда қизгин, оташин, Ғазалхон дўстларнинг ўтди гурунги. Зулфия. Ойша хола «Бухоройи шарифни» изоошларда кезиб .. ғазалхон қаландарларга садақалар бериш, Бухоронинг машҳур отинлари билан суҳбат қилишни орзу қиларди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Эй меҳрибон она юртим, юрак кўри сенки! Эй ғазалхон она юртим, юрак жўри сенки! Ё. Мирза.



2 Ғазал ёзувчи. Ҳабибий бахтиёр халқимизнинг саодатини куйлаган ғазалхон шоирдир.

**ҒАЗАЛХОНЛИК** Ғазал ўқиш, ёддан ғазаллар айтиш. Ғазалхонлик қилмоқ. — Қаён борсанг бир шоирни кўрасан: ҳар ерда — маҳида, мадрасада, бо-сорда, ошпазхонада — ғазалхонлик ва ғазал жанжали. Ойбек, Навоий.

**ҒАЗНА** с. т. Хазина. — Лочинимга балли, қайта таноб урдириб ғазнамни тўлдириб, офарин, шафари — деди хон Шерназарбойга. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҒАЗНАЧИ** с. т. Хазиначи.  
**ҒАЗНОҚ** с. т. Қазноқ. Сарви буви ғазноққа кириб нон саватини кўрди, аммо нега кирганини ўзи ҳам билмас эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҒАЗО** [а] айн. газот. Булар ўз давлатлари, ўз мол-мулкларини сақлаш учун газога чиқшига мажбур бўладилар. Айний, Қуллар. Чамбилининг одамлари, ҳаммаси: «Авазхон газога боради эмиш», — деб эшитиб қолди. «Хушкелди».

**ҒАЗОВОТ** [а] айн. газот. Рухонийлар газовот ҳақида жар солмоқдалар. Йўқ, энди халқни чалғитиш қийин. Ш. Тошматов, Эрк қушн. Эс-эс билман, тушдагидек қизиқ воқеалар, ажойиб саргузаштлар чол хотирасидан булоқдай кўйилиб кетади. Фарғона жангари, Бухоро газовоти, Кўқон ва Хоразм талонлари. Ойбек, Болалик.

**ҒАЗОЛ** [а] Кийиклар оиласига мансуб чиройли, жуда чопқир хайвон, ғизол; оху.

**ҒАЗОТ** [а] эск. 1 Дин йўлида қилинадиган уруш, жанг; «муқаддас» уруш. — Ота, газотнинг чин маъноси нима? — Бўтам, дини исломда газот — мусулмонларнинг кофирларга қарши жанг қилишидир, — деб тушунтирди чол. Ойбек, Кутлуг қон. Мусулмонобод йўлида газотни бошлаш учун ҳамма нарса тайёр, фақат яроғ-аслаҳа йўқ эди. А. Қаххор, Башорат.

2 с. т. Бошқалар ерига хужум қилиш, бостириб кириш; хужум, истило.

**ҒАЙИР** [а] Бировни кўролмайдиган, рашк қиладиган, қизғанадиган; ёмонлик қилишни хоҳлайдиган, ичи қора. **Ғайир** одам. — Жуда ғайир бола экан-а, — деди у алакимга. П. Қодиров, Қадрим. || — Баъзи хотинлар юраги торроқ, ғайирроқ бўлади, — деди раис. Х. Назир, Утлар туташганда. Саидғози юрагига ништар санчилгандек ижирганиб, кўкқини чангаллади: сохта гувоҳликка ўтган. Устидан мағзава тўккан. **Ғайир** эди-да! С. Анорбоев, Оқсой. **Ғайир** келди рашк қилди, ёжинди. — Бўлмаган гап, жангчиларни қизиқтиришяпти, — деди Мурзин ғайири келаятгандек. Шухрат, Шинелли филлар.

**ҒАЙИРЛИК** ғайир с. белги оти. **Ғайирлик** қилмоқ. — Олаҳўжа ўтирган ўрнида тебранди ва ғайирликни ифодалайдиган бир тарзда куллисираб қассобга қаради. П. Турсун, Уқитувчи. Назаров ўзини қанча яқин тутса,

ёрдами тегса, Саидғозининг ғайирлиги ўшанчалик кучаярди. С. Анорбоев, Оқсой. **Ғайирлиги** келди бировга рашк қилди, хасад қилди. **Дадабоев** ўзи йўқлигида ҳам яхши чиқарилган газеталарни кўриб ғайирлиги келганиданми .. ҳар қалай, коллективнинг ҳурматини ҳам хизматини ҳам пайқамди. Н. Улуғжонов, Ярашмаган қилиқ.

**ҒАЙНОЛИ** [ф-т] диал. Олхўри. **Ғайноли** мураббоси. **Ғайноли** эжмоқ. — Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сапсариқ япроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди. И. Рахим, Чин муҳаббат. Олма қатор орасида шафтоли, ғайноли сингари мева берадиган дарахт ўтқазилади. А. Ғозиев, Х. Нурий, Заркент боғлари.

**ҒАЙР** [а] кт. Ўзга, бегона одам; ёт. **Ҳажр** ила тинмай кўзимдан кўрмасам ашқим келур. **Ғайр** ила кўрсам мабодо худ-бахуд рашқим келур. Муқимий.

**ҒАЙРАТ** [а] 1 Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга бўлган интилиш, иштиёқ. Юрагида ғайрати бор йигит. Халқ оммасининг ижодий ғайрати. Ишга ғайрат билан киришмоқ. **Ғайрат** қилмоқ (кўрсатмоқ). **Ғайратсиз**нинг ғайрати иш битганда қистайди. Мақол. — ВЛКСМнинг барча аъзолари ва ташкилотларининг ғайрат ва ташаббуси комсомол ишининг муҳим принципи ҳисобланади. «ВЛКСМ Устави». — Мен шу куз бекорчиликда бир ғайрат қилиб кўрмоқчиман! — дейди мулла Обид. А. Қодирий, Обид кетмон. Қишлоқ тарихида биринчи қурилган кўркам мактабнинг катта байрамга айланган тантанаси ишда ғайрат кўрсатганларга мукофотлар улашиш билан тугади. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Ғайрат (эркаклар исми).

◆ **Ғайрат камарини боғламоқ** бирор ишга иштиёқ билан киришмоқ, астойдил киришмоқ. **Буни эшитган ишчилар ғайрат камарини белга боғлайдилар**. Н. Мақсудий, Юксалиш.

**ҒАЙРАТЛАНМОҚ** Ғайрат қилмоқ; ғайрати кўзгамоқ, руҳланмоқ. **Элмурод бу фикрлар билан ғайратланиб, ўзига таниш бўлиб қолган коммунист ишчилардан рекомандация олишга киришди**. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒАЙРАТЛАНТИРМОҚ** ғайратланмоқ фл. орт. н.

**ҒАЙРАТЛИ** Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга астойдил киришадиган; тиришқоқ, серғайрат. **Ғайратли қиз**. — Амнжон, ўзи ёш бўлса ҳам, жуда пишиқ, оғир, ғайратли бўлганлиги учун қоҳзога раис қилинган. А. Қаххор, Хотинлар. — Киши саводли ва ғайратли бўлса, қўлидан ҳар нарса келади, — деди Элмурод. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒАЙРАТСИЗ** Бирор иш-ҳаракатни бажаришга астойдил киришмайдиган, суст ҳаракат қиладиган. **Ғайратсиз** бола.

**ҒАЙРАТЧАН** Ғайратли, серғайрат.

**Серқуёш республика**мизнинг .. ғайратчан, изловчи олимлари, ҳар ишда етакчи коммунистларига ич-ичимиздан таҳсин ўқидик. Н. Улуғжонов, Изловчилар. **Бир оз турайлик**, — ғайратчан ва урдабурро Тўлқинжон тўсатдан қизнинг елкасидан ушлаб ўзига тортиди. Ф. Мусажонов, Хури.

**ҒАЙРАТЧАНГ** с. т. Ғайратчан. **Ғайратчанг** Тўлқинжоннинг қўлидан ҳар қандай иш келарди. Ф. Мусажонов, Хури.

**ҒАЙРИ I** [а] кўм., кт. [ч. к. билан] Бошқа, ўзга; ташқари. **Ҳарчанд ичкари ва ташқари** илаб, ушбу хатдан ғайри асар топмадик. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ҒАЙРИ II** [а+ф-т] кт. 1 Нотаниш, ёт, бегона. «Хола» деган сўзлар мен учун ғайри, Шундай ҳазилкашларнинг кўрмай юзини. Ф. Ғулом. || **Махдум** уламо, амалдор ва ғайриларни тўрт-беш соатдан бери қабул қила-қила мияси суюлган эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Бошқача, ўзгача. — **Қайси районга?** — ҳаяжонланиб сўради Қудрат, ўзига ярашмаган ғайри бир овоз билан. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ҒАЙРИДАБИЙ** [а] кт. Адабий эмас, адабий тилда ишлатилмайдиган. **Ғайридабий** ибора.

**ҒАЙРИАХЛОҚИЙ** [а] кт. Ахлоқ нормаларига зид, ахлоқий бўлмаган. **Ғайриахлоқий** ҳаракат. — Қиз бола билан ғайриахлоқий муносабат учун биласизми, қанчага кесадилар. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҒАЙРИБАДИЙ** [а] кт. Бадиий бўлмаган, бадиийликдан йироқ, бадиийлик талабларига жавоб бера олмайдиган. **Ғайрибадиий** асар.

**ҒАЙРИДИН** [а] кт. Бошқа динга эътиқод қилувчи, бошқа диндаги (киши). **Яхши, оқпоши ғайридин эди, кофир мусулмонга бахт бермайди, даярди**. А. Қодирий, Обид кетмон. **Дард-лиман, дардимни кимга ёраман? Айрилик савдога бағри пораман, Қўл кўтариб дуо қилинг канизлар, Энди мен ғайридин бўлиб бораман**. «Алпомиш».

**ҒАЙРИДИНИЙ** [а] 1 Бирор динга зид; динга қарши. **Ғайридиний** гаплар.

2 айн. ғайридин. **Темирчи Абдукарим қўлга туширилди. Халойиқ ичиде адоват қўзғагани, ғайридинийлар ҳақида ёлғон-яшиқ иғво юреизгани .. учун дарраланиб, умрбод зиндонга ташланди**. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҒАЙРИЖИНС** [а] эск. кт. Жинси бошқа, бошқа жинсдаги; уруғи бошқа, қабилиси бошқа. **Ғайрижинс** одам.

**ҒАЙРИЖИНСИЙ** [а] биога. Жинсий жихатдан бошқача, ўзгача. **Ғайрижинсий** урчиш.

**ҒАЙРИИЛМИЙ** [а] Илмий бўлмаган, илм-фанга хилоф. **Ғайриилмий назария**. **Ғайриилмий мулоҳаза**.

**ҒАЙРИНСОНИЙ** [а] кт. Инсоний хулқ, фазилат, одоб ва ш. к.ларга зид, инсоний бўлмаган. **Ғайриинсоний** қирғин.

**ҒАЙРИХТИЁРИЙ** [a] Киши ихтиёри билан бўлмаган, ихтиёрсизлик билан қилинган. *Ғайрихтиёрий кулги. Ғайрихтиёрий равишда оҳ тортмоқ.* || — *Эҳтимол, — деди Отабек ва нима учундир ғайрихтиёрий бир тебранди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҒАЙРИМАШРУ** [a] эск. кт. айн. *ғайришаръий.* *Ғайримашру талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҒАЙРИРАСМИЙ** [a] Расмий бўлмаган, норасмий; қонуний йўл билан қилинмаган. *Ғайрирасмий хат. Ғайрирасмий битишуви.* — *Анчагина шу ҳолатда қатим тортгандан сўнг Зайнаб секингина қаршисидаги ғайрирасмий ёвга ёвларча қаради.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҒАЙРИТАБИЙ** [a] 1 Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, сабабини билдиб бўлмайдиган, одатдан ташқари. *Ғайритабиий ҳодиса.* — *Ота-боболаримиз исриқни алақандай ғайритабиий бир кучга эга деб билиб, «дардага даво, бало-казога қалқон» деб атаганлар.* Н. Шораҳимов, Исриқ тутатиш хурوفотми?

2 Сунъий, ясама; ғалати. *Ғайритабиий кулги.* || «Синдими-а?» — *Шербек ачингандек бўлиб сўради. «Синса янги бўлади», — Нигора ғайритабиий жиламиди ва тез-тез юриб, палатадан чиқиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўқшиш ўзи учун ғайритабиийдек кўринар эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ҒАЙРИШАРЪИЙ** [a] дин. Шариатга хилоф, шариат қонун-қондаларига тўғри келмайдиган. *Ғайришаръий иш. Ғайришаръий фатво.*

**ҒАЙРИШУУРИЙ** [a]: *ғайришуурий равишда* онгсиз равишда, ўзи билмаган ҳолда, ўйламасдан, беихтиёр. *Йўлчининг кўз олди қорайди, руҳан чуқур эзилди, ғайришуурий равишда отни ҳайдаб кетаркан, бир нима «қарс» этиб, от бир томонга кескин бурилиб тўхтади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҒАЙРИҚОНУНИЙ** [a] Қонунга хилоф, қонунга сиғмайдиган, қонунга зид. *Ғайриқонуний ишлар. Ғайриқонуний жазо. Ғайриқонуний равишда ишдан бўйшатмоқ.* — *У қонуний муҳаббатдан кўра, ғайриқонуний муҳаббатга кўпроқ интилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҒАЛАБА** [a] 1 Жангда, курашда қўлга киритиладиган муваффақият; зафар. *Ғалаба қилмоқ.* — *Сталинград ғалабасига бағишланган митинг қисқа бўлди, лекин жангчиларда зўр таассурот қолдирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ўзинг синашга бўлган дўстларинг билан елкама-елка туриб жанг қилиш ғалабанинг гарови дейишадик-ку, эски солдатлар.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Босмачилар бутунлай маҳз қилиниб, от ва қуроллари йлжога олинди, разведкачилар ғалаба билан қайтдилар.* Айний, Дохунда.

2 Умуман бирор ишда эришилган

муваффақият, яхши натижа. *Коммунизм идеяларининг ғалабаси. Пахта етиштиришда бу йил ҳам буюк ғалабани қўлга киритдик. Ғалаба қозонмоқ.* — *Партия бош бўлди, енедик говларни, Бизнинг ғалабага жаҳон мунтазир.* Х. Салоҳ.

◆ **Ғалаба тожи** дафна барглридан ясалган, ғалаба ва тантана аломати бўлган чамбарак, шухрат тожи. **Уйқу ғалаба қиялти** уйқу элтяпти, уйқу оляпти, кўз юмилиб кетяпти.

**ҒАЛАДОН** [a+ф-т] 1 Омборда ғалла (дон, ун) сақлаш учун атрофи ўралган жой. *Тўхта охун ошхона эшигининг чап биқинидаги сўрида, каттақон ғаладон ёнида ўтирарди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Стол, жавон, тикув машинаси ва ш. к.ларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмаси, яшиғи. *Қиз .. шкаф ғаладонидан ниманидир ивирсиб қидираётган эди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. *Майор .. ғаладондан бир қора папкани олиб, стол устига ташлади.* М. Муҳамедов, Қахрамон издан.

3 Пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган яшиқ, қутича. *Ғаладонни ҳисоблаб кўрсам, олти танга бир мири бўпти.* Ғ. Гулом, Шум бола.

**ҒАЛАДОНЛИ** Ғаладони бор, ғаладонга эга. *Қатта, ғаладонли столда ўша эски сийҳдон.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҒАЛАЁН** [a] 1 Норозилик билдириб кўтарилган исён, қўзғолон, тўполон. *Ғалаён кўтармоқ* (қилмоқ, чиқармоқ). *Ғалаёнга келмоқ.* — *Эртасига Иван менга талай қишлоқларда ғалаёнлар бўлаётганини айтди.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Чор ҳукумати ўзининг қуроли кучлари билан мамлакатдаги ғалаёнларни бостиришда амирга ва феодал руҳонийларга ёрдам берди.* Г. Тўхтаметов, Бухоро революцияси. *Аҳоли ғалаёнга келди, қўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 *Кўйма* Киши ички дунёсидаги тўғён, жўш уриш. *Малика мендаги руҳий ғалаённи пайқайди шекилли, аста қўлимдан ушлаб: — Юринг Қамол ака, меҳмонхонага борамиз, — деди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Бош врач унинг дилдаги ғалаённи пайқайди чамаси, кўнглини олди.* О. Ёқубов, Ларза. *Аслида бу ташқи кўринишдан шундай эди, холос. Аммо ички дунёсида қанчалар ғалаён ҳукм сураётганини ҳеч сезмасинг.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

**ҒАЛАЁНЧИ** Ғалаён чиқарувчи, исёнчи, қўзғолончи. *Ғалаёнчилар ўрдага ҳужум қилди. Ғалаёнчилар бостирилди.*

**ҒАЛАМИС** Кишилар орасини бузишга, жанжал чиқаришга уринувчи; фитначи, ғийбатчи. — *Таёқнинг бир учи сизнинг бошингизга, бир учи менинг бошимга баравар тегмасин тағин.* Бу

*ғаламислар тоға-жиан деб ғийбат қилмай қўядими? — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи. || — *Тақсири олам, бу ғаламис ғалларга асло қулоқ сола кўрманг.* Булар сизни чағлтишиш учун атайин айтилган бадбин ғаллардир, — *деди Ислохўжа.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Азизанинг юраги ўйнаб юзлари оппоқ оқариб кетди. «Тухмат! Тухмат! Ғаламис аёл экансиз!» — деб .. тишини тишига қўйиб ўтирарди.* А. Мухтор, Цинор.

**ҒАЛАМИСЛАРЧА** *рви* Ғаламисларга хос, ғаламисларга ўхшаб, ғаламислар каби. *Мурод бошини қуйи солди, Самад унинг ғаламисларча туришидан яна ғазабланди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ҒАЛАМИСЛИК** ғаламис с. белги оти. *Ғаламислик қилмоқ.* — *Партия аъзосига ичи қоралик, бировни кўролмастик, ивгогарлик, ғаламислик .. тамомила ётдир.* Х. Нуъмон, Партия билети. [Моҳидил] *Ҳошимнинг ғаламислигидан ўзи қанчалар ғазаба келганлигини .. сездирмасликка уринди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҒАЛАМИСОНА** айн. *ғаламисларча.* *Бир йигит .. Умматалини кўриши билан ғаламисона бир қараш қилди-ю, кейин бошини қуйи солди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ҒАЛАТ** [a] кт. Хато, янглиш. || *Ғалат гапирмоқ. Ғалат ёзмоқ.* — [Шайхулислом:] *Бали! .. Қишт! [Мунажжим:] Э, асб кетди, тақсир! [Шайхулислом:] Э ... ғалат, филингизни кўрмаман.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Шунда Оққиз буёисига: — Таниб келдим, гапимнинг йўқ ғалати, Ўзига муносиб қадди жасади, Оти Умар, икки ўғлинг улфати.* «Эрли ва Шерали».

**ҒАЛАТИ** [a+ф-т] 1 Киши хайратда қоладиган, ажойиб. *Ғалати кийим.* — *Худди тўйга ўхшаиш ғалати гаштли бир айём республика далаларида кезиб юрибди.* С. Аҳмад, Машъаллар порлайди. || *Тожибой саводсиз эди. Фақат кимдандир ўраанилган учта арабча ҳарф билан «Тоғ» деб жуда ғалати қилиб қўл қўяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Одатдагидек эмас, бошқаларга ўхшамайдиган, ўзгача, бошқача. *У жуда ғалати одам. Ғалати исм. Узоқдан ғалати овоз келди.* — *У, папиросни ғалати зажигалка билан ёндириб, бир зумдан кейин қатъий тоғви билан интизом ҳақида гапирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. || *Бу гап болаларга ғалати туюлиб, ўйлатиб қўйди: «Қим қарши бўлган экан-а!» — деган савол уларнинг бетидан яққол акс этиб турарди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ойи, онам аризани бошқача, ғалати қилиб ёзар эканлар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | *Қизқарли, қизиқ; кулгили. Ғалати ҳикоя. Ғалати гап. Ғалати эртақ.* — *Вей, худонинг қудратини қара, тут қоқадиган чодирни девора илиб қўйса, бир ғалати ҳангамалар*

бўлди дегин, асти қўяверасан. С Ахмад, Хукм.

3 Уз табиий ҳолатини ўзгартган, аллалечук бир ҳолга келган. — Нега ғалатсизан, Витя. Рангларинг қув ўчган-а. Ё қорнинг оқдимми? — деди Ляна. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Бегонага агар тиксам кўзимни, Ғалати сезаман дарров ўзимни. Нурбек. Ғуломжон ака .. ҳимоя тилагандай термилиб қаради. Қаради-ю, бирдан ғалати бўлиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒАЛАТСИЗ** кт. Хатосиз, нуқсонсиз, бехато. Бир неча кунда қалин бир девонни ғалатсиз ва гўзал битадиган девкор, чидамли хаттотлар орасида обрў .. қозониш оғир эди. Ойбек, Навоий.

**ҒАЛА-ҒОВУР** Тартибсиз овозлар, шовқинлар, шов-шув; тўполон. Бу нима ғала-ғовур ўзи? Мажлисида яна ғала-ғовур бошланди. — Турсуной бўлса ғала-ғовура ортиқча аҳамият бермади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Кинотеатр фойеси томошабинлар билан тирбанд. Ҳамма ўртага — одамлар доира ясаб, ғала-ғовур қилаётган жойга интилади. С. Сиёев, Коммунизм куртаклари.

**ҒАЛВА** 1 Шовқин-сурон кўтариб қилинган жанжал, тўполон. Мунча ғалва қиласан? Бу нима ғалва? Арзимайди ғалваси, куйдиради шавласи. Мақол. — .. Хотинининг ғалвасидан чарчаган Убайдулло эса аламини ичкиликдан оладиган бўлди. С. Махмудова, Гап диплома эмас. Кутбиддинов эртагаёқ Суяраининг мактабига бориб катта ғалва кўтармоқчи бўлди. А. Қахҳор, Ужар.

2 Ташвиш; ғам. Менга яна бу ғалва ҳам бормиди! — У [Олахўжа] ётган ўрнида мазорга одам юбориб Зағнакўзни чақиртирди. У билан касалини тобора кучайтирган ғалвалар тўғрисида маслаҳатлашди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒАЛВАЙМОҚ** диал. 1 Ихчам бўлмасдан катта жой олмоқ, қаппаймоқ; ноихчам бўлиб турмоқ. Ғалвайган юк. Ғалвайган туғун. Босилмаган похол ғалвайиб туради.

2 кўчма Кераксиз ҳолда кенгайиб, катта бўлиб кетмоқ. Мақола фойдасиз тафсилотлар билан ғалвайиб кетибди. **ҒАЛВАЙТИРМОҚ** ғалваймоқ фл. орт. н.

**ҒАЛВАЛИ** 1 Ғалва, жанжал бўладиган, жанжалли. Ғалвали уй.

2 Ташвишли; ғамли. Ғалвали иш. — Узинг танилган бир олимсан, кам-кўштинг йўқ. Бунақа ғалвали ишлар билан бош қотириб юреунча, гашитингни сурсанг-чи, ошна, қишлоққа келдингми — дам ол! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

**ҒАЛВАСИЗ** 1 Ғалва, жанжал бўлмайдиган, беғалва, бежанжал. Ғалвасиз уй. 2 Ташвишсиз; ғамсиз. Ғалвасиз иш. Ўз ошим — ғалвасиз бошим. Мақол.

**ҒАЛВАЧИ** Ҳар нарсага ғалва, жанжал қилаберадиган, жанжалкаш. Ғалвачи одам.

**ҒАЛВИР** Дон эланидиган сийрак турли катта элак. Жўхорини қўшинларнинг от-эшаклари ва қишлоқ болаларининг ёрдамлари билан янчиб, ғалвирда элаб .. олдим. Айний, Эсдаликлар. Афанди қазноқчасида бир нарса ахтариб юрган эди, юқори тоққадаги ғалвир ичидеги сабзи, ниёз, лавлағлар билан унинг бошига тушиб кетди: «Латифалар». **Ғалвирдан ўтказмоқ** 1) ғалвирда эламоқ; 2) кўчма синовдан ўтказмоқ, текшириб чиқмоқ, сараламоқ. Шу прогулчилар аввал гуруппаларнинг ғалвиридан ўтказилса, кейин уларнинг кучи етмаганини биз эласак. П. Қодиров, Уч илдиз.

◆ **Ғалвирни сувдан кўтармоқ** ишни якунламоқ, натижасини аниқламоқ. Ғалвир сувдан кўтарилди: бир иш кунига беш сўмдан пул тўғри келди. М. Ғозиев, А. Мадумаров, Гултепа. **Ғалвир қилиб юбормоқ** тешиб ташламоқ, илма-тешик қилиб юбормоқ. Уқитишон тахтасини ғалвир қилиб юборипти. — [Салиманинг] беихтиёр учатган чекичи папирини ғалвир қилиб юборганини Меҳринисадан бошиқа ҳеч ким пайқамади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ҒАЛВИРАК** 1 Кўп жойидан тешилган, тешик-тешик, илма-тешик. Қон қидириб аямадим жон, Ер қатини ғалвирак қилдим Ю. Шомансур. Марварид томчилар тинимсиз оқиб Харсангени ғалвирак қилганим кўрдим. Шухрат. Қизик, бу йилги сел ҳам нуқул қоронғи тушишини пойлаб куйди .. осмон ҳам ғалвирак бўп кетган эканми дейман-а деди Валижон. Й. Шамшаров, Кўрк мейморлари.

2 Пўчоғи юпқа, қақиш осон, бўш, қаттиқ эмас (бодом, ёнғоқ ҳақида). Ғалвирак бодом. — [Умнатали] тажриба учун ўзи турган хонада тувакда ёнғоқ ўстирди. Устирганда ҳам, кўчатдан эмас, худди ғалвирак ёнғоқнинг ўзгинасидан ундирди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. || Ғалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи саз бўлур, Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи саз бўлур. Шукрулло.

**ҒАЛВИРЧИ** Ғалвир қиладиган киши, ғалвир ясовчи уста.

**ҒАЛДИРАМОҚ** 1 айн. қалдирамоқ.

2 айн. гулдирамоқ. Қалтираб ҳам ғалдираб, турлича рафтор этди маст, Бетамизликлар билан фикрини изҳор этди маст. Васфий. Товуши ўз жуссасига қараганда ҳам йўғон ва рўза тутиб узоқ уйқудан турган кишиники сингарни ғалдираган эди. А. Қахҳор, Сароб.

**ҒАЛДИРАТМОҚ** ғалдирамоқ фл. орт. н.

**ҒАЛИЗ** [а] 1 Услуб жихатидан тўмтоқ, равон эмас, тушунилиши оғир; мужмал. Ғализ ибора. Ғализ жумла. — Биз .. адабиетимизнинг таъсир кучини заифлантирувчи, ғоявий ғализ, бадиий хом, ўқувчиларнинг қизиқишини сусайтирувчи асарлар нацир қилинишининг олдини олмақ учун ҳам ҳара-

кат қилмоғимиз керак. Шукрулло, Қалбларга тўғри йўл.

2 Ҳазим оғир, тез сингмайди, бад-ҳазм. Ғализ овқат. Ғализ таом.

**ҒАЛЛА** [а] Бошоқли экинлар ҳосили, дон. Ғалла тайёрлаш пункти. Ғалла омбори. — Пахта, ғалла, пўлат сингари она юртега кўмир ҳам даркор. Ё. Мирза. Нарн борса шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун вагончи бой деб аталди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ҒАЛЛАДОН** [а+ф-т] айн. ғаладон. **ҒАЛЛАКОР** [а+ф-т] 1 Дон етиштириш иши билан шуғулланувчи деҳқон. Уктам ғаллакорлар қўшхонасига шом қоронғисида қайтди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Дон, ғалла етиштириладиган. Ғаллакор район. Ғаллакор хўжаликлар.

**ҒАЛЛАКОРЛИК** Ғалла экинлари экиб, ғалла етиштириш. Ғаллакорлик совхози. Ғаллакорлик билан шуғулланмоқ. Ғаллакорликни ривожлантирмоқ.

**ҒАЛЛАСИМОН** Ғалла ўсимлиги каби бошоқ чиқарадиган, ғалла ўсимликларига ўхшаган. Ғалласимон ўтлар.

**ҒАЛЛАХОНА** [а+ф-т] Дон омбори. Ғаллахонага дон тўлдирмақ.

**ҒАЛЛАЧИЛИК** айн. ғаллакорлик.

**ҒАЛТАҚ** [ф-т] 1 Ип, сим, лента каби узун нарсаларни ўраб жойлаш учун мосланган буюм. Плёнка ғалтақи. Ғалтакка ўралган ип. Симни ғалтакка ўрамоқ. — Тўққиз аёл ҳаммаси ишда — оёқлари тепкида, қўйлари тасма, ғалтақ билан дастакда. А. Мухтор, Опасингиллар. | Ғалтакка ўралган ип, сим, лента қабилар ўлчам. Беш ғалтақ сим. Уч ғалтақ плёнка. — Иккита чаноқнинг пахтасин олсанг, Энг ози бир ғалтақ чийрон ип бўлур. Ф. Гулом.

2 тех. Арқон, сим, занжир воситасида оғирликни кўтариш, нарсаларни силжитиш учун хизмат қиладиган қурилма; блок. Игитлар нариги соҳилга тортилган икки пўлат арқонни ғалтакка ўраб, кемани нариги соҳилга аста силжитар эдилар. С Абдулла, Қувғинда.

3 Электротехника ва радиотехникада махсус сим ўрама, катушка.

4 с. т. Бирор нарсани текислаш, силлиқлаш ёки деворларга гул солиш учун ишлатиладиган, ўққа ўрнатилган ғалтаксимон мослама. Ғалтак билан деворларга гул солмоқ. Ойнага ёпиштирилган фоторасмлар сувини ғалтак билан сидирмоқ.

5 с. т. Замбилғалтак. Ер қазии, замбар кўтариши, оғир ғалтакни суриши Пўлат учун таниш ишлар. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ҒАЛТАҚАРАВА** [ф-т+а] 1 Бир ғалдиракли қўл аравача; тачка.

2 Уч ёки тўрт ғалдиракли, кўпинча шифохоналарда беморларни кўчириш учун ишлатиладиган аравача. Қасали енгил беморлар кўмагида Ёлғизжонни авайлаб ғалтақаравага кўтариб ётқишиди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ҒАЛТАҚМАШИНА** [ф-т+р] айн. ғалтақ 2. Ғалтақмашина арқони. Ғалтақмашина билан юк кўтармоқ.

**ҒАЛТАҚМОЛА** қ. х. Судралганда юмалаб шудгорни текислайдиган, мола ўрнида ишлатиладиган ёғоч ғўла.

**ҒАЛЧА I с. т.** Бўйи паст, миқти, пакана (одам ҳақида). Ун қадамча нарида, супада ғалча йиғит билан қорачадан келган қиз турарди. А. Ҳасанов, Чироқлар.

**ҒАЛЧА II с. т.** Ўз тилидан бошқа тилга тушунмайдиган; гап-сўзни тезда англаб, уқиб ололмайдиган. Ғалчани иззат қилсанг, чориги билан тўрга чиқади. Мақол. — Узинг гап-пага тушунасанми ё ғалчамисан! — деди Аҳмаджоннинг дадаси муаллимга. С. Кароматов, Хижрон. — Мабодо .. яхши муомалага тушунмайдиган ғалча келиб қолса, белни боғлаб закон сўқишамиз. — деди Ғайбилла. Ф. Мусажонов, Чикинди.

**ҒАМ [a]** I Рухий азоб, қайғу, ғусса; алам. Ғам чекмоқ (тортмоқ). Умрни иш эмас, ғам емиради. Мақол. — Сувоңжон кўксидан босаётган бир арава ғам билан суруқни ҳайоб кўрага жўнади. С. Анорбоев, Оқсой. Гулнор бир зум тарадудда ўтириб қолди. Унинг бир нуқтага тикилган чиройли кўзларига баттар ғам чўкди. С. Зуннунова, Гулхан. Норматнинг назарида онасининг кўзлари киртайиб, юзи бурушиб қолганга ўхшайди. «Ғам тортипти бечора». И. Раҳим, Чин муҳаббат. Онасининг дардига ўртоқлашди у. Ғам денгизга ботиб тўлиб-тошди у. Ғайратий.

2 Бирор нима ҳақида қайғуриш, ташвиш тортиш; ташвиш, қайғу. Менинг ҳеч нарсадан ғамим йўқ. Эр йиғит — ая ғамда. Мақол. — Бўтабой Самандаровни туртиб, секин ишвиради: «Нега ўртоқ Сафаровга қартошқа .. ғами тушиб қолди?» А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Ҳалима унае: «Уч ўғлинг бор, нима ғаминг бор? Йиғлама, ботирларининг ишқрини қил!» — дерди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ғам емоқ ташвиш қилмоқ, ўйламоқ. — Бой амаки! — деди қуйроқда ўтирган бойваччалардан бири, — ўзингизнинг ғамингизни ейсиз-у, бизларни эсламайсиз. Айний, Дохунда.

**ҒАМ-АЗОБ [a]** Ғам ва азоб, азоб, азоб-уқубат, хар хил азоб ва захматлар. Мен биладим, ғам-азобда ўлдими, Ё жаллоднинг сўнгера раҳми келдими. «Рустам».

**ҒАМБОДА [a+ф-т]** кт. Ғам азобидаги, ғамли, қайғули. Ўғлими, эрими урушда бедарак кетиб, ғамбода бўлган баъзи аёллар мазор тиланчисига садақа, хайр қилишадиган бўлди. Х. Назир, Оқпадар.

**ҒАМГИН [ф-т<a]** Ғам ёки ташвишга ботган, ғам босган; қайғули, маъюс, хафа. Ғамгин одам. — Ойқиз ғамгин Лоланинг елкасига қўлини қўйиб, алоҳида меҳрибонлик билан гапирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — Тўра ҳам хондан ўрнак олаётир, — деди

ғамгин оҳанда Пирназар ака. Ж. Шарипов, Хоразм. || Полвон индамади. Тўранинг орқасидан кетаркан, қул бозорига қарамас ва ғамгин борарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҒАМГИНЛИК** ғамгин с. белги оти. Ота ўз ўйлари билан, бола esa отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу жуда чигал, шодлик ва ғамгинлик, умид ва умидсизлик чапишиб кетган бир сафар бўлди. О. Ёқубов, Ота изидан. Қадрдон дублар, арчалар, қайнлар ғамгинлик билан бош эгиб орқада қоларди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҒАМГУЗОР [a+ф-т]** Бировнинг ғам-қайғусини энгиллатувчи киши, ғамхўр, меҳрибон. Муҳаммаднинг ягона ғамхўри ва ғамгузори Гулсум кампирнинг кўзлари энди нурсиз. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**ҒАМЗА [a]** Ноз-карашма, ишва. Роҳиланинг ҳар бир ҳаракатида Кавказ қизлариға хос лафофат, ноз-карашма, нозик ғамза бениҳоя. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қабли қиз. У Инормоннинг ўзига тикилиб турганини сезганидан, атайлаб ғамза билан ёнидан ўтди. С. Аҳмад, Отажонлар.

**ҒАМЗАДА [a+ф-т]** Ғам-алам билан эзилган, кўп азоб чеккан; ғамбода. Зиндонхонанинг деворидаги туйнукдан ой мўралаб, бу иккала ғамзадани ҳайрат билан томоҳа қилди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ҒАМЗАЛИ** Ноз-карашмали, ишвали. Осмон, Навоий таъбири билан айтганда, фусункор афғон аёлларининг гўзал ва ишвали, ғамзали кўзлари каби мовий ва мусаффо. В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

**ҒАМКАШ [a+ф-т]** Ғам, алам чекувчи; сабр-тоқатли. Айриб олармиз қариндошларни, Қувонтириб неча кўзи ёшларни, Ота мининг, ғайрат қилинг, ботирлар, Шодмон қип он келинг у ғамкашларни. «Хушкелди».

**ҒАМЛАМОҚ** Керакли нарсаларни тайёрлаб, жамғариб қўймоқ, йиғмоқ, тўпламоқ. Қишга ўтин ғамламоқ. Озиқ-овқат ғамламоқ. — Болалар Олимовнинг миришкорлигига қойил қолди: қаранг-а, куён туттиш учун ҳамма нарсани ғамлаб келибди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ботирали акам уруғлики ғамлаб қўйганимиз учун раҳмат дедилар. Х. Ғулум, Машъал.

**ҒАМЛАНМОҚ** ғамламоқ фл. мажҳ. н. Қишга ўтин ғамланди. Озиқ-овқат ғамланди.

**ҒАМЛАШМОҚ** ғамламоқ фл. бирг. н. Чумолилар ҳам қишга озиқ-овқат ғамлашади.

**ҒАМЛИ** Ғамга тўлган, қайғули; аламли, хасратли. Ғамли Ёқутбика бир-бир қадам ташлаб ўз уйига кириб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм. Аҳмад Хусайн уй томон аста кетаркан, унинг юраги ғамли ҳислар, ўйлар билан тўла эди. Ойбек, Нур қидириб. | Ташвишли, қайғули.

**ҒАМЛОҚЛИК** Ғамланган, тайёрлаб йиғиб қўйилган, жамғарилган, тўпланган. Меҳриниса, энди гоҳо-гоҳо ўчоқ бошида ўтириб: «Бандаси ўлғудек ношукур-да, ўшанаям нолмиримди-а, — деб қўярди. — Нарёқда ортиб-тортиб қўйганинг ғамлоқлиқ турса-ку билинмасди-я». Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ҒАММОЗ [a]** эск. кт. Кимсадан айб топишга уринувчи, ғаламис; ғийбатчи, чақимчи.

**ҒАМНОК [a+ф-т]** кт. Ғамгин; хафа. Йўқ, мен сени кетмайман ташлаб, Ташвиш тушди, ғамноксан ҳозир. Келтирай гул, ёшлигинг бошлаб, Нисор этсам жонимни арир. Э. Охунова. Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок .. Гуллар ғунчасини этди чок-чок. Зулфия.

**ҒАМСИЗ** Ғами йўқ, беғам. Ғамсиз одам. | Ташвишсиз, қайғусиз.

**ҒАМ-ТАШВИШ [a]** Ғам ва ташвиш, хар хил ташвишлар.

**ҒАМХОНА [a+ф-т]** Қайғу, ғам-хасратли жой. Ватанинг вайронаси — умрнинг ғамхонаси. Мақол. — Нарин туринг, — Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. — Эссиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаёттибди. Х. Ғулум, Машъал. Мутасил ғамхонага айланган бу уйда қолишинг асло имкони йўқлигига ишонганидан Зумрад бир қарорга келган эди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ҒАМХЎР [a+ф-т]** Кимса учун қайғурадиган, ғамхўрлик қиладиган; меҳрибон. Ғамхўр одам. — Қомилжон Зуннуовнинг бу қадар .. ғамхўр бўлиб қолишининг сабабини тушунолмай ўтирибди. И. Раҳим, Ихлос. — Хотинлар бир-бирига дилкаш бўладилар. Ойқиз онанг сенга ғамхўр бўлади, — дедилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҒАМХЎРЛИК** ғамхўр с. маъв. от. Ғамхўрлик қилмоқ (кўрсатмоқ). Ўйза парварлишига ғамхўрлик қилмоқ. — Газеталарда ҳам, раҳбарларнинг нутқларида ҳам ёш мутахассисларга ғамхўрлик масаласи кўндаланг қўйилгани учун Шербекни қанот бўлар, деган фикрда қўлтиғига оланди. С. Анорбоев, Оқсой. Совет ҳокимиятининг хотин-қизларга қилаётган ғамхўрлиги ҳақида, энди уларнинг эзлишига чек қўйилганлиги ҳақида узоқ ва таъсирли қилиб гапирди. С. Зуннунова, Гулхан. Айвонда ётган Ойимхон опа қимирлади ва эндики ояётган Элмурода ғамхўрлик қилиб гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҒАМХЎРОНА [a+ф-т]** рвш Ғамхўрлик қилиб, меҳрибонларча. Ҳалмон охур олдида ерга энгашиб турган Элмурода пахтаги узатар экан, ғамхўрона ўқтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҒАМ-ҚАЙҒУ** Ғам ва қайғу, қуқур хасрат ҳиссиёти, ғам-хасрат.

**ҒАМ-ҒУССА** Ғам ва ғусса, ғам-қайғу. Эл бошига қанчадан-қанча ғам-ғусса, қайғу-аламлар келтирган қонли урушининг қулфатли кунларида ҳам баҳор яйраб-яшнади, Ш. Рашидов, Қуд

ратли тўлқин. — *Кўёвимизнинг бошига кулфат тушиди, ҳаммамиз ҳам ғам-ғуссадамиз,— деди Мастура хола Гулжон махрама.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҒАМ-ҲАСРАТ** Ғам ва ҳасрат, ғам-қайғу. — *Хафа бўлманг, меҳмон,— деди Адолатнинг ҳамроҳи хижолатлик билан,— бу шўрлик ҳам ғам-ҳасратда довдираб қолган.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ҒАНА** Ипак қуртига солинган тун барглариининг ейилганда кейин қолган қолдиги. *Бундан ташқари, қурт.. жойини кенгайтириш билан дарҳол ғанасини янгилаши лозим.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Хосият хола қуртхонадан ғана олиб чиқаётди, келинига кўзи тушиди.* П. Қодиров, Эрк.

**ҒАНИ** [а] 1 кт. Бой, бадавлат, давлатманд. *Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж.* Нодира. [Эшон:] *Сўзлангиз, Мирсиддиқбой махум, Қўқонда ахли савдодан ғанилар, зангинлар мўлми?* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ғани (эркаклар исми).

**ҒАНИМ** [ф-т] Ёв, душман; рақиб. *Шаҳар халқига жар соламиз, қўлида бор қурол-ароғини кўтариб чиқсин, қўрғон ташқарисиди ғаним билан мардларча олишамиз.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Эй болам, ғанимлар у бечорани муродига етказмасдан ҳалок қилибдилар.* Ойдин, Фарходлар. *Ғанимларга .. қиличим қайраган, хун оламан. Бўри дев шундай деди-ю, маъжосланди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ҒАНИМАТ** [а] 1 кт. Урушда ёки овда қўлга киритилган нарса, ўлжа. *Хусайн Байқаро мерганлар билан бирга тантанали ов ҳафталари тузиб, қорли саҳроларга сурон солар, катта ғанимат билан қайтарди.* Ойбек, Навоий.

2 Тезда ўтиб кетадиган, қайта такрорланмайдиган, қадрига етиш лозим бўлган кимса ёки нарсалар ҳақида; энг қулай, ўнғай (пайт, вақт ҳақида). *Дам ғанимат. Ёшлик ғанимат. Вақт ғанимат.* — *Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безомоқ чоғидир умр дафтарин.* Ғ. Фулом. *Кун исий бошлиши билан колхозчилар ҳаракатга тушиб қолишар, соат, минутларни ғанимат билиб, чигитни экиб олиш учун шошилишар эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Умр қисқа, беш кунлик дунёда завқ сурмиш ғанимат.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Пахтани] *ҳарна териб қолганимиз ғанимат.* Ойбек, О. в. шабадалар. | Табаррук, азиз (инсон ҳақида). — *Одам одамега ғанимат,— деди кампир Нафисахонга.* Мирмуҳсин, Умид. *Пирум ҳам ғанимат бўлиб қолдилар, дуоларини олиб қолинглар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бола бахона — дийдор ғанимат қ. бахона.*

**ҒАР** [ф-т] Суяқ оёқ хотин, бузуқ хотин, фоҳиша. *Ғар бўл, ўғри бўл — инсофли бўл.* Мақол. — *Ҳожиди хола худди шу «дўқонда» шиланиб, тайёрланиб чиққан ғар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒАРАЗ** [а] Бирор кимсага қарши қаратилган ёмон мақсад; адоват. *Ғараз билан гапирмоқ.* — *Ўз ғарази йўлидаши қилувчи палид кишилар қипчоқлар орасида бор бўлганибек, бизда ҳам йўқ эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Маждиддин:] *Муомала силлиқ бўлсин, .. ғазабни табассум билан, ғаразنى, хушомад билан яширинг, ана шунда омадингиз келади.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. | Бирор кимсадан ўч олиш нияти, кек, қасд, адоват. *Шахсий ғараз.* — *Ўзаро низоининг дарду марази Тинкамизни қуритди, хунбоа қилди, Талашган хонларнинг кеку ғарази Етди юрт бошига, хароба қилди.* Шайхзода.

**ҒАРАЗҒҮЙ** [а+ф-т] Ёмон мақсадни кўзлаб, ғараз, адоват билан иш тутувчи; ёмон ниятли, ғаламис; ғаразчи, кекчи. *Ғаразғўй одам.* || *Сизнинг адолатли ҳукмингиздан бир нарсани сўраймиз: .. бизнинг тўғримизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилик қилувчи иғвогар ва ғаразғўйлар бу мажлисга ҳозирлансинлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Шахсий манфаатини кўзловчи, манфаатпараст. Шундай ранги тоза йигит Маҳкамнинг тасаввуридида ғаразғўй амалларистга ҳеч ҳам тўғри келмасди.* П. Қодиров, Уч илдиш. || — *Ғаразғўй, кўзбўямачи, фирибгарларни айтса бўлади номард деб,— деди Ҳасан ака Қодирқула.* А. Муҳиддин, Инсон қалб оташ.

**ҒАРАЗҒҮЙЛИК** ғаразғўй с. маънот. | Бировга қарши қаратилган ёмон мақсад; кек, адоват. *Умаралининг гапидан эски ғаразғўйлик исми келаверганидан, асло одам бўлмадиган Умар, дегандек қилиб Эрназар ака уйига кириб кетди.* И. Раҳим, Ихлос. *Қимдир ғаразғўйлик билан машина теримица ажратилган майдонга сув қўйиб юборибди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Ҳайри ҳаммадан кўра ғаразғўйликдан қўрқарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ҒАРАЗЛИ** Бировга қарши ёмон мақсад кўзда тутилган, қасддан қилинган, адоватли. *Ғаразли гап.* *Ғаразли иш.* — *Ғаразли фикр аксар сўзлагувчини шарманда қилади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. — *Турғунбойнингизни содда деб ўрсак, энцил экан-ку!* — ясама кулги билан қочирдиқ қилди қўшини хотин. *Умри она унинг ғаразли оҳангда бошлаган гапини қайириб ташлади.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. | Бировга нисбатан кек сақловчи, ёмон ниятли, ғаразғўй. *Ғаразли киши.*

**ҒАРАЗСИЗ** Бирор ёмон ният ёки шахсий манфаат кўзда тутилмаган; ғарази йўқ, беғараз. *Ғаразсиз гап.* *Ғаразсиз иш.* — *Мен .. ҳеч бир ғаразсиз, болаларча соддалик билан: — Оқ гул Қутбия опамнинг юзига ўхшайди!* — дедим. Айний, Эсдаликлар.

**ҒАРАЗЧИ** айн. ғаразғўй. *Ғаразчи одам.* || *Модомики, ўз ғарази йўлида истибод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар йўқолмас эканлар — бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчи-*

*ларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазини нажотимизнинг йўлидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒАРАМ** Бирор жойга тўплаб, уйиб қўйилган пичан, беда, пахта ва ш. к. Пичан ғарами. Беда ғарами. Бир ғарама ғўзапоя. — *Пунктдаги пахта ғарамига яхшилаб қарайман десанг, бошикдан дўппинг тушиб кетади.* Х. Нурий, Раиснинг орзуси. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар қўзғалиб бойларнинг ғарамалига ўт қўйишар .. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **ҒАРАМ ҚИЛМОҚ** айн. ғарамамоқ. *Ўрмон ёнида ғарама қилиб қўйилган похол олади юк ортилган арава турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. | *Умуман бир жойга тўпланган нарса, тўп, уюм. Қўмир ғарами.* — [Давлатёр] *аланглаб ёни-верига қаради ва ўн қадамча нарида тош ғарами пайдо бўлганини кўриди, ҳайрон бўлиб, унга томон бурилади.* П. Турсунов, Ўқитувчи. **ҒАРАМ БЎЛИБ** кетмоқ жуда кўп миқдорда тўпланиб қолмоқ. Беда ғарама бўлиб кетибди.

**ҒАРАМЛАГИЧ** қ. х. Похол, пичан, пахта ва ш. к. ни ғарамайдиган машина, ғарамаш машинаси.

**ҒАРАМЛАМОҚ** Бир жойга тўплаб уймоқ, ғарама қилмоқ. *Пичани ғарамамоқ. Ғўзапоя ғарамамоқ.* — *Даст-аввал, серёт яйловларни танлашимиз ва бу яйловлардаги табиий ўтларни етилтириб, сўнгга ўриб ғарамалимиз.* Н. Бадалбоев, Катта синов. *Шаҳарнинг маркази қайта қурилайётган жойда Акрамжон экскаватор ғарамалаган тупроқ уюми устига чиқиб атрофга қаради.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ҒАРАМЛАНМОҚ** ғарамамоқ фл. мажҳ. н. *Кўпгина жойларда ўрилган беда шундоққина даланинг ўзида, ғарамаманмасдан қолиб кетмоқда.* И. Маҳмудова, Ем-хашак тайёрлашни кучайтирайлик. *Малоҳат билан Акрамжон гилос остида ғарамалиб ётган стулардан икитасини тиклаб қўйиб, юзма-юз ўтирдилар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ҒАРАМЛАТМОҚ** ғарамамоқ фл. орт. н. *Бедани ғарамалатмоқ. Ғўзапояни ғарамалатмоқ.*

**ҒАРАМЛАШМОҚ** ғарамамоқ фл. бирг. н. *Бригада далаларида меҳнат қайнайди. Ишчилар йиғилган ҳосилни [ўрилган шолини] дасталаб ғарамаляпти.* У. Юсупов, Шоли — хирмонга.

**ҒАРАМЧИ** Ғарамаловчи, уйиб ғарама қилувчи ишчи. *Ғарамчи бўлиб ишламоқ.*

**ҒАРАМ-ҒАРАМ** Бир неча ғарама, уюм-уюм; тўп-тўп. *Дала шийпони ёнида хирмон. Ғарама-ғарама пахта.* И. Раҳим, Ихлос. *Осма вагонеткалар охурларга ғарама-ғарама хашак келтириб тўқади.* А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. *Ғарама-ғарама бугдойдан тоғлар пайдо бўлади.* Х. Пулат.



**ҒАРБ** [a] 1 Дунёнинг тўрт томонидан бири — шарққа қарама-қарши томон; қуёш ботадиган томон, кунботар. *Ғарбдан эсан шамол.* — *Офтоб ғарбга ёнбошлаганда икки йўловчи даштдан чиқиб тепаликка йўл олди.* А. Қаҳҳор, Мостон. | Маълум бир объект, территория, майдон, бино ва ш. к.нинг ғарб томони, ғарбий қисми. *Ўзбекистоннинг ғарби.* — [Ғулмжон] *пастда, уйнинг ғарбга қўзилган тор, узунчоқ саҳнида минг хил ранг ва нафосат билан очилиб турган сулзора кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Содиқ аминнинг қапаси унеурдан юз қадамча ғарбда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с. т. Ғарбий Европа, Ғарбий Европа мамлакатлари.

**ҒАРБАЧЧА** [ф-т] айн. **ғарвачча.**

**ҒАРБИ-ЖАНУБИЙ** Ғарб билан жануб томонлар оралиғида жойлашган; ғарб билан жануб томонлар оралиғидаги. *Бу бурчдан қараган кишига кўрғоннинг ғарби-жанубий .. бурчи ҳам кўриниб, шу йўсинда тўрт бурчини айланб чиқилса, .. бизга таниш ўрда дарбозасига келинадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒАРБИЙ** [a] Ғарб томонда жойлашган, кунботар томондаги. *Ғарбий мамлакатлар.* *Ғарбий Европа.* *Республикамизнинг ғарбий қисми.* — *Мирзаев Ғарбий фронтнинг ўзидан учта хат, иккита совға олган эди.* А. Қаҳҳор, Қўк конверт.

**ҒАРБИ-ШИМОЛИЙ** Ғарб билан шимол томонлар оралиғида жойлашган; ғарб билан шимол томонлар оралиғидаги. *Лагернинг ғарби-шимолий томони, ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисоба олмаганда, кўзга илганмас яйлов.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ҒАРВАЧЧА** [ф-т] 1 Ғардан туғилган бола, ғарнинг боласи.

2 сўк. Ғардан тарқаган, ҳароми. *Жанишнинг қони қизиб кетди.* У бор овози билан шовқин soldi: — *Тўхтайсанми, йўқми, ҳой ғарвачча!* — деди қўлини қилич қилиб Файза дастурхончига. Х. Шамс, Душман. *Ёмон одам яхши бўлмас ўлгунча, Қайдан келди, пичоқли кўрс, ғарвачча?* «Бўтакўз».

**ҒАРИБ** [a] 1 Қариндош-уруғи йўқ, бирор ҳомийси, кўмакчиси бўлмаган, кимсасиз; мусофир. *Ғариб кўнглини ғариб билур.* Мақол.

2 Камбағал, қашшоқ; фақир, бечора. *Тирноқ-ла ер ўйиб сулар оқизан Ғариблар аҳволи қоларди тангга.* Файратий. *Аҳмад Хусайн бозорда узоқ айлана-айлана деҳқонлар, ишчилар, фақир-фуқаролар, ғариблар орасида бўлади.* Ойбек, Нур қидриб.

3 Кишининг раҳми келадиган даражада 'абгор; ночор аҳволда қолган, аҳволи танг. *Унинг [Умматалининг] кўзига ҳовлидан чиқолмай ғарибгина бўлиб ўтирган Икромжон кўриниб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзи ҳамма вақт ғариб яшашига қарамай, жуда серпардоз эди,* С. Зуннунова, Гулхан.

4 кўчма Кўрмисиз, хунук, хароб. *Майнагинамнинг қайси ҳуриликдан камлиги бор.* *Боласинамни кийим ғариб қилиб турибди,* холос. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хиёбонлар орасида заифгина кўқариб келётган яқкам-дуқкам дарахтлар кўзга ғариб кўринар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

5 кўчма Каровсиз қолган, хароб; вайрон. *Бўтабой у пайтларда отасидан қолган ғарибгина дўжончада темирчилик қиларди.* С. Аҳмад, Хукм. *«Утинчим бор, халоскор жангчи, Эсдаликка бир нима қолдир! Шарқдан келдинг ғариб юртимга, Айт, атаган совғанг ҳам бордир?»* Ё. Мирза.

**ҒАРИБА** [a] Ғариб аёл, бечора аёл. *Юмишқ юнг қалтоқли бошини силади ва очлик, дармонсизликка қарамасдан, бахтсизликка йўлиққан бу қийналиб қолди [деди Азизбек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒАРИБ-БЕНАВО** Ниҳоятда ғариб, ночор, аянч аҳволда қолган. *У ғариб-бенаво бир ояладан.* *Оти Зумрад.* Ойбек, Улуг йўл.

**ҒАРИБЛАНМОҚ** айн. **ғариблашмоқ.** *Етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда ғарибланди, ҳатто шу кейинги кунларда ҳам қийналиб қолдик [деди Азизбек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒАРИБЛАШМОҚ** 1 Ғариб бўлиб қолмоқ, кимсасиз, кўмакчисиз қолмоқ.

2 Аянчли, ночор аҳволга тушиб қолмоқ; камбағаллашмоқ. *Бир майдонга сурункасига пахта экилавергач, тупроқнинг таркиби ғариблашиб, ер ориқлаб, ҳатто минерал ўғитларни ўзига сингиролмайдиган даражага етиб қолди.* Миртемир, Р. Раҳмон, Катта қарвон.

**ҒАРИБЛИК** ғариб с. мавз. от. *Йўлчи қоронғи кечда борар экан, бутун ғариблигини, юрагидаги қайғу гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ туйди.* Ойбек, Қутлур қон. *Қуёш чиққунча Темуру Босди кўп йўл чангини.* *Ғарибликнинг йўлида Саргайтириб рангини.* Файратий. *Ота-боболаримиз яшаган ғариблик замоналарида нонушта қоқ нон .. билан ўтар эди.* Ғ. Ғуллом, Ноз-неъматлар қорхонаси.

**ҒАРИБОН** [a+ф-т] **шони ғарибон** ғарибона шом пайти; кишини изтиробга соладиган, кўзга хунук кўринадиган, кўнгилсиз ҳувиллаган кечки пайт. [Холанса хола] *кечқурунлари, шони ғарибонда йиғлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ҒАРИБОНА** [a+ф-т] рвш Ғарибларга хос, фақирона; қашшоқларча. *Ғарибона ҳаёт кечирмоқ.* — [Муқимий ва Тожибой] .. *хуржунни бошга қўйиб, ғарибона уйқуза кетдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. — *Ниҳол чўплари кўзга ғарибона кўринар, зое кетган меҳнатни эслашиб, юракни ачитарди.* — *деди Тўтихон опа.* Г. Нуруллаева, Сўнгги довон эмас. || — *Бизникидақа кичкина, ғарибона эмас, катта,*

*чиroyли .. уй экан,— деди Ҳожии хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒАРИБПАРВАР** [a+ф-т] Ғарибларга ён босадиган, кўмаклашадиган; камбағалпарвар.

**ҒАРИБУДДИЁР** [a+ф-т] эск. кт. Бошқа ёқдан келган, мусофир, фақир. *Ўзуми ғарибуддиёр эканимни фаҳмлаб баъзи маслаҳатларни берди.* Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ҒАРИБ-ҒУРАБО** [a] Фақир кишилар, ғариблар. *«Ҳа, худо, бературган бўлсанг, биздай ғариб-ғураболарга бер!»* Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда. *Мен мана бу эшонни яна бир кўрмоқчи эдим.* У киши катта авлиё эмишлар. *Бизга ўхшаган ғариб-ғураболарга меҳрибон эмишлар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ҒАРОВ** Пояси қаттиқ ва бўғим-бўғим, ичи қавақ, қамишга ўхшаш тропик ўсимлик; бамбук. *Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди* *Созга қўйилгунча най бўлиб ғаров.* Ғ. Ғуллом.

◆ **Тирноқка ғаров югуртирмоқ** қаттиқ азоб бермоқ, қийнамоқ. — *Қишлоқдаги миш-мишлар хунук, золимлар менинг ҳам тирноғимга ғаров югуртирмоқчи,— деди чол.* А. Муҳиддин, Ёдгорликнинг тўйи.

**ҒАРОЙИБ** [a] 1 Жуда кам учрайдиган, ғалати. *Ғаройиб машина.* — *Моҳидил .. жуда ажойиб, жуда ғаройиб, жуда ноёб ном.* *Барибир сизни маликам деб атагим келяпти.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бу кўчалар шундай сирли ва ғаройибки, асти қўяверасиз.* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

2 айн. **ажойиб** 1. *Хатдаги гаплар бир мунча ғаройиб бўлиши баробаринда унинг тегишли кишига етиши жуда зарур эди.* А. Муқимов, Тарк этма назокатни.

**ҒАРОЙИБОТ** [a] Ажойиб ва ғаройиб нарсалар, ажойибот. *Сафарга чиққанимдан буён кўп ажойиботларни кўрдим, кўп ғаройиботларнинг гувоҳи бўлдим.* Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб. *Қўзи бир зом илингандай бўлди-ю, аммо алаҳсирай бошлади, кўз ўнгидан турли-туман ажойиботлар, ғаройиботлар ўтади.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**ҒАРРА-ШАРРА:** **ғарра-шарра сарф қилмоқ** с. т. бемўлжал сарфламоқ, катта-катта харажат қилмоқ. *Пулни ғарра-шарра сарф қилмоқ.*

**ҒАРС** диал. айн. қарс 1.

**ҒАРСИЛЛАМОҚ** айн. қарсилламоқ.

**ҒАРС-ҒУРС** ғарс с. тақр.

**ҒАРТ** тақд. с. Кескин ишқаланиш ёки урилишдан келиб чиқадиган йўғон, дағал товуш ҳақида. **Ғарт этмоқ** айн. **ғартилламоқ.** *Эшик ғарт этиб ёпилади.*

**ҒАРТИЛЛАМОҚ** Ғарт этган товуш чиқармоқ. *Қарнайлар қўлоқларни батанг қилиб ғартиллади.* Ғ. Расул, Адолат.

**ҒАРТИЛЛАТМОҚ** ғартилламоқ фл. орт. н. *Қарнайни ғартиллатиб чалмоқ.*

**ҒАРТ-ҒАРТ** ғарт с. тақр. У [Саид-

хон] яқинда қирдирилган бошининг кетини ғарт-ғарт қашиди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ҒАРТ-ҒУРТ** айн. ғарт-ғарт. Булардан бошқа яна 4та «созанда» ҳам тақир-туқур, ғарт-ғурт қилиб, қўлоқ-мияни еб бормоқда. Х. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

**ҒАРЧ** тақл. с. 1 Мўрт, қуврак нарсани чайнаганда, босганда, синдирганда чиқадиған товуш ҳақида. **Ғарч этиб** (ёки **этказиб**) ғарчиллатиб, ғарчча; тез ва шиддат билан. Бодрингни ғарч этиб тишламоқ. Пичоқни ғарч этказиб тикиб олмақ. Лабини ғарч этиб тишлаб олмақ.

**2 махс.** Этик ёки кавушнинг тагчарми орасига жойлаштирилган, юрганга ғарчиллайдиган бир парча чарм. Кавушига ғарч қўймоқ. — «Ғарчи йўқ этик икки пулга қиммат», дер эди у. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Худо хоҳласа этикларингга ғарч солдириб берман. С. Аҳмад, Қадрон далалар. | Юрганга шундай оёқ кийимларидан чиқадиған товуш.

**ҒАРЧИЛЛАМА** Юрганга ғарчиллайдиган, ғарчиллаган товуш чиқадиған. [Машарифнинг] бошида дўпчи, устида тўн, оёғида ғарчиллама этик. Н. Мақсудий, Машарифнинг гинаси.

**ҒАРЧИЛЛАМОҚ** «Ғарч-ғурч» товуш чиқармоқ. Қўнча ва ҳовлиларда музлаб ётган қор оёқ тағида ғарчилларди. П. Турсун, Ўқитувчи. Оёқлар остида қор кескин ғарчиллайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҒАРЧИЛЛАТМОҚ** ғарчилламоқ *фл. орт. н.* Ғарчиллатиб чайнамоқ.

**ҒАРЧЛИ** Ғарчи бор, «ғарч» қўйилган; юрганга «ғарч-ғурч» қиладиған. Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: ғарчли ялтироқ этик, шевиот шим, ипак кўйлак ... ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган. А. Мухтор, Чинор. Афанди янги тикилаан ғарчли бедана кавушини кийиб, ҳар қадамда завқланиб, боғ сайлига кетаётган эди. «Латифалар».

**ҒАРЧСИЗ** Ғарчи йўқ, «ғарч-ғурч» қилмайдиган. Ғарчсиз этик.

**ҒАРЧЧА** *рви* «Ғарч» этиб ёки «ғарч» этказиб. Тилимни ғарчча тишлаб олдим. У миҳни ғарчча босиб олди. — Турдиевнинг қўлини гитлерчи ғарчча тишлади. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Ғарчча мой 1)** турган-битгани мой, нуқул мой. Бу — маккажўхори ғарчча мой, *ейит*, *сут* дегани экан. С. Ҳасанов, Қиш кунларида; **2)** кўп ёр тўғраб тайёрланган, серёғ. Ғарчча мой сомса. Ғарчча мой мант.

**ҒАРЧ-ҒАРЧ** ғарч с. тақр. Сабзини ғарч-ғарч чайнамоқ. Қорда ғарч-ғарч юроқ. — У қўлидаги ўроқ билан кажсава аравадаги хашак боғламини ғарч-ғарч санчиб олади. А. Муҳиддин, Инсон қалбн оташ. Йўли қотган қорни ғарч-ғарч босиб, тоза муз ҳавони қамраб кеза бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҒАРЧ-ҒУРЧ** айн. ғарч-ғарч. Кишиларнинг оёқ босишлари зарбидан қорнинг «ғарч-ғурч» қилган ноласи эшитилади. А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Кичкина доктор. Нафиса унинг пиёзни ғарч-ғурч чайнаб нон билан тушираётганини завқланиб томоша қиларкан, сўзларининг мағзини чақишга уринарди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ҒАРҚ** [а] 1 Сувга ботган, чўккан. **2** кўчма Бирор нарсага кўмилиб кетган, бурканган, чўмган. Ғарқ бўлмақ. Ғарқ қилмоқ (айламоқ, этмоқ). — Шўх хайлда мен ҳам бандман, Бахт завқига ғарқ. Миртемир. Гўё борлиқ тинч ва осойишта дамларнинг лаззатига ғарқ. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Шундай яшар эди Самарқанд, Зафарларнинг тўлкинида ғарқ. М. Али.

◆ **Ғарқ пиши** ёппасига пишиди, қийғос етилди. Уриқлар ғарқ пишиди. — Қора гилослар ғарқ пишиб, шохлари томга тушиб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ғарқ терламоқ терга ботмоқ, жуда терлаб кетмоқ. Рисолат отин кўқариб кетган эрини кўриб, қайноқ новот чой тайёрлаб босиб-босиб ичирди. Қўлдош отанинг бадани илиб, ғарқ терлади. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ҒАРҚ-ҒАРҚ**: ғарқ-ғарқ терламоқ сел-сел бўлиб терламоқ, терга ботмоқ.

**ҒАРҒАРА** 1 тақл. с. 1 Сувни оғизда тутиб, томоқни чайилганда чиқадиған товуш ҳақида. Ғарғара қилмоқ. — Йўлдош жуда чарчаган. Бунинг устига-устақ томоғи шамоллаган эди. Намақоб билан ғарғара қилиб юриб, кечагина эйрга тузатиб олди. А. Мухтор, Чинор.

**2** Улим олдиған томоқдан чиқадиған хирқироқ товуш ҳақида. Фотиманинг ранги оқариб, нима қилишини билмай, бориб ҳовлидаги супга ўтирди. Ундан кейин бошини ёстиққа қўйиб, оғзидан оқ кўпик чиқариб ғарғара қилиб ёта бошлади. Мирмуҳсин, Умид.

**ҒАРҒАРА** II махс. 1 Арқон ёки занжир ёрдамида бирор нарсани тортиш, кўтариш учун хизмат қиладиған мослама, ўққа ўрнатилган ғалтак; чиғир. Қўра яқинига қазилиб устига ғарғара ўтқазилган бир қудуқ у ердагиларнинг сув манбаи эди. Айний, Қуллар.

**2** Катта чарх, девчарх; чархли дастгоҳ. Пиллакаш пилла ипининг учини топиб, бир-бирига чирмашиб кетган пилла ипини .. ғарғарага ўрнатилган дукка ўрар эди. М. Мухамедов, Пиллакашлик саноатида.

**ҒАРҒАША** Шамол, офтоб, совуқ таъсирида ёрилган, қуруқшаган, ғудраша. Ғарғаша қўл.

**ҒАСБ** [а]: ғасб *этмоқ* *эск. кт.* бировларнинг мол-мулкни ўзиники қилиб олмақ, ўзлаштирмақ; тортиб олмақ, таламоқ. Қайлиқ ўйнаб, қиз сотишлар, Чўри, хизматкор туттишлар, Биров мулкни ғасб этишлар Бу кун сенга кўп қийиндир. Ҳамза.

**ҒАССОЛ** [а] айн. ювғучи. Икковимиз ҳам янги ҳаваскор ғассол бўлганимиз

учун, қизишиб кетиб, [ўликни] уч мартагина эмас, 10—15 марта чайқаб юбордик. Ғ. Ғуллом, Шум бола. [Уйга] сўфи, ундан кейин ғассол, ундан кейин яна бир неча художўй кишилар келишди. Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам. [Турсунбой] Зебохоннинг билганини ушлаганда, қўллари илгарийидек қайноқ эмас эди. Худди ғассол қўлидек совуқ эди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҒАТ** тақл. с. Карнай, машина сигнал кабиларнинг товуши ҳақида. Ғат этмоқ.

**ҒАТИЛЛАМОҚ** «Ғат-ғут» этган товуш чиқармоқ, «ғат-ғат» этмоқ.

**ҒАТИЛЛАТМОҚ** ғатилламоқ *фл. орт. н.* — Қишлоқда машинани ғатиллатиб ҳайдашга қурбим етади, — деди «Саксон» ота. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ҒАТ-ҒАТ** ғат с. тақр. Ғат-ғат қилмоқ. Ғат-ғат қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи. Мақол. || Тошиларнинг қўрғон кунчуларига тегиб гумбурлаши, .. ногораларнинг тарақлаши, карнайларнинг ғат-ғати ҳавони ларзага келтирди. М. Осим, Ўтрор.

**ҒАТ-ҒУТ** айн. ғат-ғат. Ғат-ғут қилиб сигнал бермоқ. || Маршлар тўхтади. Бир нафас жимлик чўқди. Лекин бу жимлик Ойнисага карнай ғат-ғутидан ҳам лаззатлироқ туюлди. Х. Ғуллом, Тошкентликлар.

**ҒАФЛАТ** [а] 1 Билмай қолиш, беҳабарлик, огоҳсизлик, гофилик. Келди айёми баҳор, иш даври бир он ўтмасин, Бир нафас ғафлатда бу қийматли даврон ўтмасин. Ҳабибий. — Қалай? — деб сўради Қомилов Бекдан отишининг натижасини билмоқчи бўлиб. — Ғафлатда экан, чамамда ҳаммаси бўлмаса ҳам тенг ярми қирилди. И. Раҳим, Мангулик қўшиғи. Ғафлатда қолди ёки ғафлат босди юз беражак воқеа-ҳодисадан беҳабар қолди, гофилик билан фурсатни қўлдан берди. Тушуниб қадам боссанг, ғафлатда қолмайсан, хато қилмайсан, ғарқ бўлмайсан. И. Муқимов, Қизилқум паҳлавони. Ғафлат босиб кўзим илгинан экан, бир вақт қулогимга хириллаган товуш кирди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**2** кўчма Нарсаларнинг моҳиятига тушунмаслик, нодонлик, жаҳолат. Улар [бойлар] бизни [камбағалларни] шу қадар ғафлатда туттишардики, ҳатто ўз ҳақимизни ҳам тузукроқ билмасдик. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Ука, менимча, ғафлатдасан, ўқи-маганликдан бўлса керак, фикринг кўп нимарсалардан ҳали гофил. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Ғафлат уйқуси** қаттиқ уйқу. Машина механизмларининг қудратли овози мудроқ Қизилқумни ҳам ғафлат уйқусидан уйғотди. А. Шукуров, Курсара насос станцияси.

**ҒАЧЧА** с. т. Ғарчча. Саччиб ҳиқилдогини ажраттиш учун бўлган Муталнинг биринчи ҳаракати бўйига кетиди, чап биқинига ўтқир ханжар ғачча

ботирилди. А. Қодирний, Утган куйлар.

**ҒАШ I** [ф-т] Бирор нарсадан ташвишланиш, безовталик туйғуси; дилгирлик, таъби хиралик, хафалик. Орадан бир неча ой ўтган бўлса ҳам, Роҳатбиби кўнглидаги ғаш ёзилмади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Кўнгли (ёки юраги, дили) ғаш қ. кўнгил I. Ғаши келди I) жаҳли чиқди, аччиғи чиқди, хафа бўлди. Бола қулоғи қизариб, ранги бўзариб кетса ҳам, ун чиқармас эди. Мингбоши ғаши келиб миришабга ўшқирди: — Ҳой, ўлакка, жонинг борми, қаттиқроқ чўзсанг-чи! М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) бадани сесканиб ўзини ноқулай сезди; қитиғи келиб ғижинди, безовталанди. [Йўлчи] баъзан ғаши келиб, баданга ёпишган кўйлақни кўчирар ва елтинар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Кўнгли (ёки юраги) ғаш тортди айн. ғаши келди I. Ҳамма ёқдан кўкат ислари сурқираб келарди. Қудрат кўрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди-да, бетини ювгани ҳовузмаа борди ва ундаги [хунук] манзарани кўриб кўнгли ғаш тортди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ғашига тегмоқ жиғини кўзгатмоқ, жаҳлини чиқармоқ. Шербекнинг жилмайиб туриб берган жавоби Хўжабековнинг ғашига тегди. С. Анорбоев, Оқсой. Ғашини келтирмоқ I) бировнинг асабига тегиб, жаҳлини чиқармоқ, аччиғини келтирмоқ, хафа қилмоқ. [Сидқижоннинг] қулиши Урмонжоннинг рўй-рост ғашини келтирди. А. Қаххор, Қўшчинор; 2) қитиғини келтирмоқ, сескантирмоқ; безовта қилмоқ. [Зухрақоннинг] .. бирдан оёқлари жимирлашиб ғашини келтираверди. А. Муҳиддин, Қуёв қочди.

**ҒАШ II** [ф-т] диал. Душман, рақиб, ёв. Жонажон партия элга бош бўлди. Золим бойлар билан у кўп ғаш бўлди. Фозил шоир. Эътибор дейсанми қилган ишингни, Ҳеч билмайсан душманингни — ғашингни. «Эрали ва Шерали».

**ҒАШАВА** айн. ғишава. **ҒАШЛАМОҚ**. Ташвишга солмоқ, безовта қилмоқ; хафа қилмоқ. Собирдан дарак йўқлиги Роҳиланинг дилини ғашлаганди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожиев, Оташ қалбли қиз.

**ҒАШЛАНМОҚ** Ташвишланмоқ, безовта бўлмоқ; ғашлик қилмоқ; таъби хира бўлмоқ. Кўнгли (ёки юраги, дили) ғашланди нимадандир ташвишланди, безовта бўлди; таъби хира бўлди. Катянинг юраги ғашланиб, бетоқат бўла бошлади. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида. [Меҳриниса] олазарак бўлиб одамлар тўдаси ичида бораркан, маддоҳнинг овози орқасидан қувиб келаётгандай бўлар, баттар ҳаяжонланиб, дили борган сари ғашланарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ҒАШЛИК I** Бирор нарсадан ташвишланиш, безовталик; таъби хиралик, хафалик. Кундошлик — кўнгли ғашлик. Мақол. — Колхоз иши на хом, на чакки. Колхозда йўқ ғашлик, хусумат.

Ҳ. Пўлат. — Санжар Қаримов бўлса мени .. баъзи кунлари кинога боришга қистайди, ноилжор бораман .. Барибир юрагимнинг ғашлиги ёзилмайди, — деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Бора-бора домла деганда одамларнинг кўнглида ғашлик тушадиган бўлиб қолди. А. Қаххор, Тўйда аза. Кўнглига (ёки дилга, юракка) ғашлик солмоқ ташвишга қўймоқ, безовта қилмоқ; таъбини хира қилмоқ, ранжитмоқ. Булутлар дилга ғашлик солади. — Яхшилик баҳри-дилнингизни очиб, доимо ўзига чорласа, ёмонлик .. кўнглингда ғашлик солади. Шукрулло, Яхши хулқ — яхши хусн.

2 айн. рашк. Ғашлик кўрмоқ рашк қилмоқ, рашки келмоқ.

**ҒАШҒАША** с. т. Хархаша, ғашава, жанжал.

**ҒАЮР** эск. айн. ғайир. **ҒАҚ** тақл. с. Урдак ёки қарға-қузғунлар товуши ҳақида. Шақиллатиб мақтанмиш билан алахсиган олаҳакка сизирнинг думи текканда «Ғақ!» эди-ю, ура қочди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҒАҚИЛЛАМОҚ** «Ғақ-Ғақ» этган товуш чиқармоқ, ғағилламоқ (урдак ва қарға-қузғунлар ҳақида).

**ҒАҚ-ҒАҚ** Ғақ с. тақр. Ғақ-Ғақ этмоқ (қилмоқ). — Парво қилмай қилтаноқдан ютиб бир йўла, Яна қўшиқ — Ғақ-Ғақларин куйга солади. Ғ. Ғулом. Кўл томонда ёввойи ўрдақларнинг Ғақ-Ғақ этгани қулоққа чалинади. С. Анорбоев, Эртаги куннинг ташвиши билан.

**ҒАҚ-ҒУҚ** айн. Ғақ-Ғақ. Кун ёйилиб елкани қиздира бошлади. Узоқ-яқиндан ўрдақларнинг Ғақ-Ғуқи эшитилди. С. Ахмад, Уфқ.

**ҒАҒ** айн. Ғақ. **ҒАҒАЛАМОҚ** «Ғағ-Ғағ» деган товуш чиқармоқ (урдак, ғоз, қарға кабилар ҳақида).

**ҒАҒИЛЛАМОҚ** айн. Ғағаламоқ. Ғозлар Ғағиллайди.

**ҒАҒИЛЛАШМОҚ** Ғағилламоқ фл. бирг. н. Ола-чинор ўрдақлар ҳурка-ҳурка Ғағиллашиб, ҳар томонга илдам кўчишди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҒАҒ-ҒАҒ** Ғағ с. тақр. Ғағ-Ғағ этмоқ (қилмоқ).

**ҒЕ** «Ғ» харфининг номи. **ҒИВАК** диал. Яхши ривожланмаган, нимжон, заиф (ўсимлик ҳақида). Ёввойи ўт зарпечак Зормандалар авжидида ... Куйиб гивак ғўзалар Азобда қолган жуда. Т. Йўлдош.

**ҒИВИЛЛАМОҚ** айн. ғивирламоқ. Сал шўхлик қилсанг: «Ғивиллама оёқ остиди!» — деб жеркишарди улар. Ойбек, Болалик.

**ҒИВИРЛАМОҚ** с. т. I Тинимсиз, бетартиб ҳаракат қилмоқ, «ғивир-ғивир» қилмоқ (майда жониворлар ҳақида). Пастдан қараган кишига ғўё беҳисоб чумлои карвони ғивирлаётганга ўхшаб кўринадди. И. Раҳим, Ихлос. Қўк-лам келиши билан бутун дарахтлар уйғонади, қурт-қумурсқалар ҳам ғивирлаб қоладилар. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Ивирсимоқ; имилламоқ. Ҳовлида беиш-олти киши ғивирлаб юрибди. Ҳ. Умарбеков, Юлдузлар.

**ГИВИРЛАШМОҚ** ғивирламоқ фл. бирг. н. с. т. Араванинг остида болалар чумолидай ғивирлашади. Ойбек, Қутлуг қон. Сарой аҳли кузда қарахт бўлган пашишадек ғивирлашиб, оёқ учида секин юришарди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ГИВИРСИМОҚ** айн. ивирсимоқ. Бир кунги у кечаси шаҳардан келаётган эди, катта толнинг тагида кимдир ғивирсиз юрганини кўрди. Ойдин, Сухбати жонон. Ошхона атрофида ғивирсиз юрган одамларни ҳам кўриш мумкин. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ГИВИР-ШИВИР** тақл. с. Секин, аранг эшитиладиган товуш ҳақида; пичир-пичир, ғивир-ғивир. Кечаси қўшни ҳовлида ғивир-шивир бўлиб қолди. || Февраль революцияси ғалаба қилганлиги тўғрисида хабар келганидан сўнг, одамлар ўртасида ғивир-шивир гаплар тарқалди. А. Толипов, Ҳақиқат енгди.

**ГИВИР-ГИВИР** тақл. с. I Ҳашаротнинг тинимсиз ҳаракати, қимирлаши ҳақида. Бурга ғивир-ғивир қилиб ухлатмади. Қулоғимда бир нарса ғивир-ғивир қилди.

2 Бирор иш билан тинимсиз шуғулланиш, тинимсиз уриниш ҳақида. Дунё ари уяга ўхшар экан. Ғивир-ғивир қиласан, кирасан, чиқасан, уринасан, сури-насан — бол йиғасан. Сен йиққан болдан қавм аҳли баҳра топишини ўйлайсан. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ГИДИ-БИДИ** Арзимаган нарсага шикоят қилиш, нолиш, тергаш, койиш; оилавий жаъжал, хархаша. Ҳамма вақт тотув ҳаёт кечираётган Очилдов баҳор келди-ю, хотини билан ади-бади айтишадиган бўлиб қолди. Мана, бугун ҳам кечки овқатдан келин гиди-биди бошланди. А. Мираҳмедов, Ут юраклар. || Муслим ишга кетиши билан, қайнана-келин ўртасида гиди-биди гаплар баъзан жанжалларга айланиб кетарди. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

**ГИДИЛЛАШМОҚ** с. т. Ғижиллашмоқ.

**ГИДИНГЛАМОҚ** с. т. салб. Бемаъни гапларни айтмоқ, пўнғилламоқ, дўнғилламоқ. Сафар сачиб ўрнидан туриб, овози борича: «Ҳайдасангиз ҳайдайверинг, колхозингизга зор эмасман», — деб гидинглади. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ГИДИ-ГИДИ** айн. гиди-биди. Кундошлик иши қийин, коса косага текканда гиди-гиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўлганга ҳам татиймай қоладир. А. Қодирний, Утган кунлар.

**ГИДО** [а] эск. кт. Ғизо, озик. — Социалистик ватандаги озод, бахтиёр барча халқлар рус бадиий адабиётини тўхтовсиз таржима қилиб, катта гидо олдилар, — деди Муҳаммад Жамол. Ойбек, Нур қидириб. Қиз ва йиғит орасида колхоз хўжалиги, пахтачилик ри-

вожи тўғрисида қизгин суҳбат бошланди кетди. Хар иккисининг эсонига бу мавзу фидо эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИД-ГИДЛАМОҚ** тақл. с. Бўлиниб-бўлиниб чиқадиган овоз билан сайрамоқ (каклик, бедана ҳақида). *Ҳожидўппили Султон пучуқ такада боқиб юрган каклик гид-гидлай бошлади.* Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ГИД-ГИДОҚ** тақл. с. Какликнинг сайраши ҳақида. — *Бу тонгда Ҳожидобо наврўздан буйн ихлос қўйиб парварши қилиб юрган, аммо сайрамаган, Уратепадан совғага келган туллак каклик бирдан «гид-гидоқ» чиқариб қолди,— деди Шум бола.* Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ГИЖБАНГ** тақл. с. Чилдирманинг жарангдор овози ҳақида. *Чилдирма гижбанги.*

**ГИЖБАНГЛАМОҚ** Маълум усул ёки ритмда чалинмоқ, жарангдор овоз таратмоқ (чилдирма ҳақида). *Қаердадир чилдирма гижбангламоқда, бир томонда майда ва шўх, иккинчи томонда кишининг қалбини тирнайдиган катта ашула бўлмоқда.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ГИЖЖАК** [ф-т] Скрипкага ўхшаш камончали чолғу асбоби. *Гижжак чалмоқ. — Ичкаридан .. най ва гижжак овози баралла келиб турар эди.* Ғайратий, Довдираш. *Барот полвон «додоҳ» келибди шеклими» деб самовар томонга қараган эди, дотор, танбур, гижжак, най, доира кўтариб келаётган машиқларга кўзи тушиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГИЖЖАКЧИ** Гижжак чалувчи созанда. *Ғақат гижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа. *Эшонхон даҳлизда ичириб-едириб меҳмон қилган бир гуруҳ танбурчи, гижжакчи созандаларини бошлаб кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ГИЖЖАКЧИЛИҚ** гижжакчи с. касб оти. *Гижжакчилик қилмоқ.*

**ГИЖИЛЛАМА** Гижирлаб овоз чиқарадиган, гижиллайдиган. *Гижиллама маҳси-кавуш.*

**ГИЖИЛЛАМОҚ** 1 с. т. Гижирламоқ. *Гижиллайдиган каравот. — [Давлатёр] билинган-билинмас ҳуштак чалди. Гўё унинг ҳуштагига дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас гижиллабгина бир одам сигарлик очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Намиққан эшик гижиллаб очилди.* Ш. Ҳолмирзаев, Тўлқинлар. *Танна ёнида чўмилтирилган бола эртасига ўпкаси гижиллаб, гингишиб чиқди.* Мирмухсин, Жаҳолат панжаси.

2 с. т. Кўпайиб, «ғиж-ғиж» бўлиб кетмоқ, тўлиб-тошмоқ. *Қараса, бир кичкина бозор экан, одам гижиллаб ётибди.* «Равшан».

**ГИЖИЛЛАТМОҚ** гижилламоқ фл. орт. н. *У эшикни гижиллатиб очди.*

**ГИЖИЛЛАШМОҚ** Бир-бири билан

аччиқ-тирсик гаплар айтишмоқ, адибади айтишмоқ, жанжаллашмоқ. *Ҳолмирза Вали полвонга қилган муомаласини билдириб қўйиб, хотинидан балога қолди: тунд бўйи эр-хотин гижиллашиб чиқшиди.* Ҳ. Назир, Утлар ташганда. *Элчи ноибини азойини кўриб, ғазабини ютиб, ўзини босиб олди.* Ҳозир у билан гижиллашиб ўтиришининг фойдасиз эканини пайқаб, орқага чекинди. М. Осим, Элчилар.

**ГИЖИМ** I Букланиб тахи бузилган, бурушган, гижмалоқ. *Гижим қилмоқ. — [Ақбарали] гижим қоғозни кафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди.* А. Мухтор, Чинор. *Турсунбой .. ҳар гандираклаганида елкасидаги гижим бўйиб кетган кўйлаги ерга тушиб кетарди.* С. Аҳмад, Уфқ. || *Дубенко белидаги камари тўқасининг икки томонидан остиса бош бармоқларини суқиб, гимнастеркасининг гижимларини орқасига сидирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Гижимини ёзмоқ* гижимланган жойини текисламоқ, бурушғини силлиқламоқ. [Хосиятхон] *атрофида ҳеч ким йўқлигини пайқамади, ҳар қалай хотиржам ўрнидан турди ва бошидаги қизил чит дуррачасини олиб гижимини ёзди.* С. Йўлдошев, Қалб тўлқинлари.

◆ **Гижим бахмал** (ёки духоба) бахмалнинг туқлари бир текис, силлиқ бўлмасдан, гижимланган каби товланб турадиган хили. *Магазидан ўн метр гижим духоба олдим. — Мухаббат .. бир кийим гижим бахмал олиб чиқади, Турғун чўт уриш билан овора.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Гижим рўмол** гўзапўчоқ шаклида бўртиқ нақшлар солиб тўқилган ипак рўмол. *Гажак қўйган келинчақлар, гижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ГИЖИМ** II с. т. Сиқим, чангал. [Нусратилла] *белидаги бир қийғини жаҳл билан шартта ечиб, бир гижим пулни ялтироқ фишт устига сочди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ГИЖИМЛАМОҚ** I Қўл билан сиқиб, эзиб ёки босиб тахини бузмоқ, гижим қилмоқ; буриштирмоқ. *Заргаровнинг ҳовлисида .. ерда ётган бир пой эски калиш, гижимлаб ташланган бир-иккита газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ.* А. Қаҳҳор, Оғрик тийлар. [Чолнинг] *юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргиликлар гижимлаб ташлаган.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

2 Каттиқ ушламоқ, сиқиб ушламоқ, чангалламоқ; мижигламоқ. *Кечқурун Жуман ошхонага бормади. Усти-бошини ечмай жойига чўзилди-да, икки қўли билан естиқни гижимлаганча ётаверди.* А. Мухтор, Туғйилиш. — *Энди бу ёғи бизга боғлиқ,— деди у, кафтидаги бир сиқим тупроқни гижимлаб.* Й. Шамшаров, Нур байрами. — *Мен ҳам соғиндим, Ойқиз,— деди Олимжон Ойқизнинг сочларини гижимлаб,— бир*

неча ой бир неча йилдек туюлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *кўчма* Азоб бермоқ, қийнамоқ. *Вужудини дард гижимлаб ташлагандек букчайиб, ўз кўчасига бурилди* Икромжон. С. Аҳмад, Уфқ.

**ГИЖИМЛАМОҚ** гижимламоқ фл. мажҳ. н. *Гижимланган қоғоз. Гижимланган кўйлак. — [Кудрат] Раҳимнинг қўлидан гижимланиб кетган кон-вертни зарда билан тортиб олди-да, уйига қараб бурилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мастининг кийим-кечаклари гижимланиб, соғлиғида ўзига ярашиб турган соқоли пахмайган, ҳамма ёғи исқирт эди.* Э. Носиров, Ҳожининг ҳунари. — *Ҳа, гижимланган гул кимни ҳам қизиқтириши мумкин? — деди Мўғтабар Ботиржонга.* М. Салом, Намли киприклар.

**ГИЖИМЛАТМОҚ** гижимламоқ фл. орт. н.

**ГИЖИН** диал. Ғаш, аччиқ, жаҳл. *Гижин келди* ғаш, аччиғи келди, жаҳли чиқди. *Маҳалла бойвачаларининг тўйдан мийиқлари остида кулиб чиқаётганларини кўриб Ҳайдарнинг гижини келди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Гижинига тегмоқ** ёки **гижинини келтирмоқ** бировнинг жаҳлини чиқармоқ, аччиғини келтирмоқ, ғашига тегмоқ. *Бу сийни талоқнинг боласи .. гижинимга тегиб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГИЖИНМОҚ** Аччиғи келиб, жаҳли чиқиб юзларини буриштирмоқ, аччиғиланмоқ. *Тишларини бир-бирига босиб қаттиқ оғриққа дучор бўлган кишидек гижинди, қиссиқ лабларидан нушаймонликни ифодаловчи инераш чиқди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Раҳим муштлар зарбини тузуккина сезган бўлса-да, аламини ичига ютди, тишларини қирсиллатди, гижинди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Юз, қўл ва гавда ҳаракатлари билан ғазаб-нафратни, уриб, янчиб ташлашга тайёрликни ифодаламоқ; дўқ ёки таҳдид қилмоқ.* *Эрининг вағиллашдан ажабланиб юзуриб чиққан Майсаҳон ҳам иккала биродарнинг бир-бирига гижиниб турганини кўриб, ҳайкалдек қотиб қолди.* А. Мухиддин. Инсон қалби оташ.

**ГИЖИНТИРМОҚ** гижинмоқ фл. орт. н. *Чархчининг «ҳотамтой»лиги қассобни гижинтирди, кўзлари олайиб кетди унинг.* А. Муқимов, Ғалати одамлар. — *Жузон, кутиб ўтирувчиларни гижинтириб, мени, оёғимни ерга тегизмай, бошлиқ олдиға киреизиб қўйди,— деди Қамол.* Ҳ. Назир, Қўктерак шабадаси.

**ГИЖИР** тақл. с. Каттиқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан хосил бўладиган ёқимсиз товуш ҳақида. *Эшикнинг гижир.* *Қаравотнинг гижир болани уйғотиб юборди. — Тупроғи билқ-билқ кўчадан араванинг асабларни пармалайдиган гижирни эшитиларди.* Ойбек, Навоий.

**ГИЖИРЛАМОҚ** I Бир-бирига ишқаланиш натижасида «ғижир-ғижир» товуш чиқармоқ, гичирламоқ, «ғиж-

**ФИЖ** қилмоқ. *Фижираган бир эшик унинг [Элмуроднинг] хаёлини чалғитди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Паровоз узок гудок бериб, жойидан қўзғалди. Вагонларнинг буферлари фижирлаб, поезд яна ел қўшиб учди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. [Мирғиёс:] Ғазабим тошди. Машинада тикка туриб олдим. Тишиларим фижирлаб кетди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Мотор гоҳ бир текис гуриллайди, гоҳ қучанади, кузов тинмай фижирлайди. С. Анорбоев, Колхоз қишлоғи.*

2 с. т. Шамоллаш ёки бирор касаллик туфайли хириллаган овоз чиқармоқ. *Тузуқликка тузуқ. Лекин ҳали ҳам ўпқалари фижирлайди, йўталадилар. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ФИЖИРЛАТМОҚ** **фижирламоқ** *фл. орт. н.* Тишиларни фижирлатмоқ. ■ *Сидиқжон аравани фижирлатиб ўтиши билан гапга халал беришдан .. истихҳора қилиб, нарироқда тўхтади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Хасанали] қоронғида туртишиб, хужра эшигига келди-да, авайлаб, фижирлатмай эшикни очди ва секингина ташқарига бош чиқариб саройни кузатди. А. Қодирий, Утган кунлар. [Мирзакаримбой] .. кафтини фижирлатиб, қари бўлса ҳам хўроздай кеккайиб, қўрғон томонга юрди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ФИЖИРЛАШМОҚ** 1 **фижирламоқ** *фл. бирг. н.*

2 *кўчма айн. фижиллашмоқ, Ота-ўғил, биз келмасдан аввал, ўзаро фижирлашиб олган эканлар. Айний, Эсдаликлар. Ғайбулла қурилиш бошқармасига бориб ўзи гаплашиди, .. совхоз бошлиқлари билан ҳам фижирлашиб олди. Ш. Ғуломов, Комсомол иродаси.*

**ФИЖИР-ФИЖИР** **фижир** *с. тақр.* *Ғижир-ғижир* қилмоқ. ■ *Қўра орқасида арава фижирақларининг фижир-ғижирни эшитилди. Х. Ғулом, Машъал. || Моҳидил ичкари кирди-ю, эшик олдидаги фижир-ғижир табуреткани олдинроққа суриб, қўлларини тиззасига қўйганча ўтирди. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон.*

**ФИЖМАЛОҚ** *диал.* Ғижимланган, тахи бузилган, ғижим. *Қўйлақ ғижмалоқ бўлиб кетибди. Ғижмалоқ қилмоқ, Қоғозни ғижмалоқ қилмоқ.*

**ФИЖМАЛОҚЛАМОҚ** *диал.* Текислигини ёки тахнини бузмоқ, ғижимламоқ, ғижмалоқ қилмоқ.

**ФИЖ-ФИЖ** *тақл. с. 1 айн.* **фижир-ғижир.** *Ғиж-ғиж* қилмоқ.

2 с. т. Ниҳоятда кўп, сановига етиб бўлмайдиган даражада. *Ғиж-ғиж одам. Ғиж-ғиж чуқоли. ■ Уйда ғиж-ғиж бўлиб ётган бу наিশаларнинг қайси бири ўша? А. Қаҳҳор, Башорат.*

**ФИЗ** *тақл. с.* Отилганда, тез учишда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. **Физ** *этиб* 1) *тез, физ* этган овоз чиқариб, визиллаб. *Ўқ бошим устидан физ этиб ўтди. ■ Биз аэропорт томонга борар эдик, олдимиздан .. машина физ этиб ўтиб кетди. К. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит; 2) тезлик билан, бир зум-*

*да. Врач машинада физ этиб этиб келди.*

**ФИЗИЛЛАГАНИЧА** *Тезлик билан; физиллаб. [Шайтон] .. дуо қилиб сувга уфурибди. Ана шунда десағиз, ҳалиги ишх-шотири ариққа аввалига шиппа тўхтабди, кейин физиллаганича орқасига оқа бошлабди. Ф. Ғулом, Нарсиддин афанди ва шайтон алайхиллаъна.*

**ФИЗИЛЛАМОҚ** 1 «**Физ**» этган овоз чиқармоқ, «**физ**» этмоқ, визилламоқ. *Маҳкамадаги хоналарга юзларча тоилар физиллаб учди. Ойбек, Навоий. Ўқ устига физиллар ўқлар, Тиллар томоқларга тиқилди. Э. Раҳим.*

2 Чаққон ва тез ҳаракат қилмоқ. *У [Йўлчи] физиллаб кўчага отилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Юнусов мотоциклга ўтириб, Қўштут томон физиллаб кетди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. Бошидан нотинч фикрлар физиллаб кечаётган Мардонбек ўз-ўзига сўзлайди. С. Азимов. Биринчи фасл. | Бирор томонга тез жўнамоқ, кетмоқ; югурмоқ, чопмоқ. [Йўлчи] нон битгач, саватни анҳор бўйида супуреи боғлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозорга физиллади. Ойбек, Қутлуғ қон. Болтабой, сен бешинчи бригадага физилла, ғўзапоя йиғилмасин! Пахта тераверсин! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

**ФИЗИЛЛАТМОҚ** **физилламоқ** *фл. орт. н.* [Давлатёр] *Худойқулнинг чорбоғ дала йўлида икки хўкиз, бир новвос, бир сизир, бир бузоқни физиллатиб ҳайдаб кетаётганини кўрди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Раиснинг шофери сал кўзи шажалат бўлса, [Асрора] машинасини физиллатиб ҳайдаб қоларди. С. Аҳмад, Уфқ. Қойилман, яхши пулемётчи экансан-ку. Оғир юкни физиллатиб кетяпсан-а. А. Мухиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалби қиз.*

**ФИЗИЛЛАШМОҚ** **физилламоқ** *фл. бирг. н.* *Саккизта бола бирдан: «Бўпти, жуда соз!» дейишди-да, деворга тирмашиб, толга физиллашди. Ойбек, Қутлуғ қон. Физиллашиб ўтишар ўғил-қизлар қуванишиб, Қоньки отиб учтишар, Бир-бирларин қулашиб. И. Муслим.*

**ФИЗО** [а] *эск. кт.* Овқат, озиқ, емиш. *Муқимий кейинги ҳафтаalarda ортиқ инжиқлашиб, Қўқонга қайтиб боришдан умидини узгандек, ҳатто дўстларини ҳам, ўғлини ҳам ёдламай қўйган, кам завқ, кам физо бўлиб қолган эди. С. Абдулла, Қувғинда.*

**ФИЗОЛ** *айн. ғазол.*

**ФИЗ-ФИЗ** *физ с. тақр.* *Ҳавода кетма-кет ўқлар физ-ғиз учар эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. | Тез-тез, физиллаб. Чанг кўтариб дала йўлидан ўтиб қолар машина «физ-ғиз». Х. Салоҳ. Поезд йўли яқинида катта кўприк бор-а? Ушандан ўтсанг, тўғри йўл кетади, шағал тўқилган. Физ-ғиз машина ўтиб туради. Х. Назир, Бир туп ғўза.*

**ФИЗГИЗАК** *диал.* Бизбизак,

**ҒИЙБАТ** [а] *Бировни орқаворатдан ёмонлаб гапирши, фисқ-фасод. Ғийбат (ғийбатини) қилмоқ. Болалик уйда ғийбат йўқ. Мақол. ■ Ўзи кампирмижоз, ғийбатни яхши кўради. А. Қаҳҳор, Сароб. — Уртоқларимизнинг ғийбатини қилиб ўтирибмиз, — деди кулиб Сураёе. Ойбек, Нур қидриб. Қиши меҳнат қилмаса, ғийбат қилади. Мирмуҳсин, Умид.*

**ҒИЙБАТХОНА** [а+ф-т] *с. т.* Ғийбат гаплар кўп бўладиган жой, фисқ-фасод уяси. *У жувонмаргларнинг няяти ёмон, — Кумри ўзи ташлаб кетган ғийбатхонанинг сиру асрорини оча бошлади. Х. Ғулом, Машъал.*

**ҒИЙБАТЧИ** Ғийбат қилувчи. *Ғийбатчининг бурди бўлмас, туҳматчининг юзи бўлмас. Мақол. ■ Ғийбатчиларнинг мавзулари Аҳмад маҳдумнинг «жодуғарлиги» ва «сеҳрбозлиги» эди. Айний, Эсдаликлар.*

**ҒИЙТ** *тақл. с.* Ёғоч, темир каби нарсаларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Ғийт этмоқ. Дарвоза ғийт этиб очилди. ■ Ичкари эшикнинг ғийт этиб секингина очилганини эшитди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ҒИЙТИЛЛАМОҚ** «Ғийт-ғийт» товуш чиқармоқ, «ғийт-ғийт» қилмоқ, «ғийт» этмоқ. *Кўча эшик ғийтиллаб очилди, қўллага сирли сопол тутган бир қизча қадамларини авайлаб босиб келди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ҒИЙТ-ҒИЙТ** **ғийт** *с. тақр.* *Шамолда эшик ғийт-ғийт қилади.*

**ҒИЙҲ** *айн. ғийт.* Эшик олдин аста-аста тақиллади, кейин ғийҲ этиб очилди. *Х. Зиёхонова, Қишлоқчи.*

**ҒИЙҚ** *айн. ғийт.* Қоронғида эшикнинг ғийқ этиб очилгани эшитилди. *С. Зуннунова, Гулхан. Машина шитоб билан келиб «ғийқ» этиб тўхтади. О. Хусанов, Миннат. Омон тўсатдан ўзини орқага ташлаб «ғийқ» деган овоз чиқарди. Ф. Ғулом, Шум бола.*

**ҒИЙҚИЛЛАМОҚ** «Ғийқ» этган овоз чиқармоқ; «ғийт» этмоқ, ғийтилламоқ. *Эски эшик бир неча бор очилиб ёпилди. Ҳар сафар очилиб-ёпилганда озор чекаётгандай ҳазин ғийқиллайди. С. Анорбоев, Меҳр. Ғийқиллаб бораётган арава устида тевараги уфққа туташган чўли томоша қилиб бораман. С. Аҳмад, Чўл бургути. Роса бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб, Муюлишдан трамвай ғийқиллаб ўтганига. Ф. Ғулом.*

**ҒИЙҚИЛЛАТМОҚ** **ғийқилламоқ** *фл. орт. н.* Эшикни ғийқиллатма.

**ҒИЙҚИЛЛАШМОҚ** **ғийқилламоқ** *фл. бирг. н.*

**ҒИЙҚ-ҒИЙҚ** **ғийқ** *с. тақр.* *Розик ҳамон югради, ҳамон ҳарсиллайди, томоғида ўша бўлма ғийқ-ғийқ қилади. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ҒИЛАЙ** *Қараганда кўз қорачиғлари бир томонга йўналмайдиган, тўғрига қарай олмайдиган, кўз олмаси қийшиқ ўрнашган. Ғилай бола. Ғилай кўз. Бир кўзи ғилай. Кўзини ғилай қил-*



моқ. — Кўз олдида «ғўштинени бурдалайман!» деб кўзини ола-кула қилиб турган ўғай она ва унинг қариндоши — ғилай хотин турарди. Мирмухсин, Умид. **Филай кўзни тўғрилайдиган даволардан бири кўзойнақдир.** М. Муҳаммаднова, Қўзойнақнинг хосияти.

◆ **Ғилай қарамоқ** ёмон муносабатда бўлмоқ; ёқтирмаслик. — Теримга келганда ким ёмон — Игиталининг машинаси ёмон. Шу борада неча қарра ўртага тушиб, терлаб чиқса ҳам, кузга келганда [Сафарбаров] машинага ғилай қарайди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ФИЛАЙЛАНМОҚ** Ғилай бўлмоқ, қинғир қарамоқ. Унинг кўзи ғилайлини қоплати.

**ФИЛАЙЛАТМОҚ** Кўзини ғилай қилмоқ. Бир оздан кейин меҳмонхонадан бир мулланома чиқиб келди. Махдум қиқувчини ёқтирмагандек, ер остидан кўзини ғилайлатиб қарагач, бирдан вазиятини ўзгартди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ФИЛДИРАК** Арава, машина ёки бирор механизмнинг юриши, ҳаракат қилиши учун хизмат қиладиган, ўққа ўрнатилган, айланадиган, доира шаклини қисми. Арава филдираги. Автомобиль филдираги. — Ҳозирги вақтда бир тракторнинг филдираги томорқада занг босиб ётса ҳам одамнинг гаши келади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Зебихон, филдирак ёғочларига обғини бир-бир қўйиб, аравага чиқди. С. Зуннунова, Гўлхан.

◆ **Тарих (ёки тараққиёт) филдираги** тарихий тараққиёт жараёни. Тарих филдирагини ҳеч тўхтатиб бўлмайд.

**ФИЛДИРАКЛИ** Филдираги бор, филдирак ўрнатилган. Икки филдиракли арава. Уч филдиракли велосипед. — Яланликда пахта ташийдиган ўн филдиракли юк машиналари қаторлашиб турарди. П. Қодирова, Уч илдиэ.

**ФИЛДИРАКСОЗ** Филдирак ясовчи уста.

**ФИЛДИРАКСОЗЛИК** Филдирак ясаш билан шуғулланиш. Филдираксозликни ўрганмоқ. — Ишчилар .. гудокни эшитиб, мастерскойга, филдираксозлик җеҳиза йиғила бошладилар. М. Осим, Тилсиз тувох.

**ФИЛДИРАКЧА** Кичик филдирак ёки филдиракка ўхшаган деталь. Соат ичидеги филдиракчалар.

**ФИЛДИРАМОҚ** Айланма ҳаракат қилиб юриб кетмоқ (филдирак ёки доира шакли нарсалар ҳақида). Танга қўлимдан тушиб, филдирак кетди. — Қўлим кичкинагина, бўйига нисбатан анча семиз, думалоқ, юрганда филдирак кетаётганга ўхшайди. А. Эшонов, Ҳаётга қайтиш. | Жойидан қилмоқ, юриб кетмоқ (филдиракли нарсалар ҳақида). Арава настликка қараб филдирак кетди.

**ФИЛДИРАТМОҚ** филдирамоқ фл. орт. н. Пўлат айвонда бульдозерини филдиратиб ўйнаётган эди. А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Кичкина доктор. Тўпчи-

лар шу командани кутиб тургандек, бирдан тўпларга ёпишдилар. Олдинга филдиратиб қолдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ФИЛДИРЛАМОҚ** с. т. 1 Филдирамоқ.

2 *кўчма* Айланмоқ, айланиб юрмоқ; парвона бўлмоқ. Теварагида филдираб юрган Зайнабнинг уйига кира бериш учун [Отабек] Қумушнинг мулоҳазасини қилар [эди]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ФИЛМОН** [а] дин. Гўё жаннатда бўладиган гўзал хизматкор йигит. Заҳрачакўз .. жаннатни таърифлаб кетди: — Бир томонда ҳуру филмонлар нозу қарашма билан жилая қилишиб турибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қайдан топиб келган султон? Бу паридир ёки филмон? «Муродхон».

**ФИЛОФ** [а] Буюмини ташқи шикастандан сақлаш учун солиб қўйиладиган, шу буюм шаклига мослаб тайёрланган маҳсус жылд, қути, қин. Кўзойнақ филофи. Милтик филофи. Кўрпанинг филофи. Скрипканинг филофи. Филофга солмоқ. — Бўронбой филофнинг богичини ечиб, дуторни олди, торларини черта-черта узоқ созади. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири. Мен киришим билан Расулов оқ сурпдан филоф кийгизилган креслосини орқага суриб ўрнидан турди, кабинетнинг ярмига келиб кўришди. Р. Файзий, Сувчи. Шарофат хола деразадан қараса, эшик тагида бир машина йигит-қизлар. Елкаларида рюкзак, кузовда филоф кийгизилган жуфт-жуфт чанғилар. А. Мухтор, Чинор.

**ФИЛОФЛАМОҚ** Нарсага, буюмга филоф қопламоқ, филофга солмоқ. Кўрпани филофламоқ.

**ФИЛОФЛАНМОҚ** филофламоқ фл. мажҳ. н. Филофланган кўрпа.

**ФИЛОФЛИ** Филофланган, филофи бор. Филофи рубоб. Филофи қилич. — У [Хонқози] белидаги ёғоч филофли маузер тўппончани кўз-кўз қилиб кўрсатди, кейин белидан чиқариб хонтахта четига қўйди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ФИЛОФЧИ** Филоф тайёрловчи уста.

**ФИЛТ** тақл. с. Сууқликни ютаётганда томоқда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Сувни филт этиб ютмоқ.

◆ **Кўзига филт ёш олди (ёки келди)** кўзи ёшга тўлди. Жамила гапини интизорлик билан кутаётган мастерига жовдираб қаради-ю, гапириш ўрнига кўзларига филт ёш келди. М. Жалолiddинова, Диллар дилларга пайванд.

**ФИЛТИЛЛАМОҚ** 1 Жовдираб, ялингансимон қарамоқ, мўлтилламоқ. [Мирҳосилнинг] бурчаклари қизарган кўзлари аллақандай филтллади. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. | Ёшланмоқ, ёшга тўлмоқ. — Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор, Акрамжон ака! — қизнинг кўзлари филтллади. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Пайдо бўлмоқ, лим-лим тўлиб йилтиллаб турмоқ (кўздаги ёш ҳақида).

Кўзча бўлса, филтллаб турган ёшларини дув тўқиб, яна кўзини очди. Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ. Нормат Чернецовнинг ёш филтллаб турган тиниқ кўзларига қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Унинг [Розиянинг] ўзига ҳам, Сатторга ҳам раҳми келиб, кўзларида бирдан ёш филтллади. П. Қодиров, Эрк.

**ФИЛТИЛЛАТМОҚ** филтлламоқ фл. орт. н. Кўзини филтллашиб турмоқ.

**ФИЛТ-ФИЛТ** филт с. тақр. Филт-филт ютмоқ.

◆ **Кўзига филт-филт ёш олди (ёки келди) айн.** кўзига филт ёш олди (ёки келди) қ. филт. Қалдирғочим мени эздан чиқармасмикан? — кўзларига филт-филт ёш олиб сўради Шер. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар. — Менинг тўлиқиб ёниб кетганимдан таъсирландими, Уринбойнинг кўзларига филт-филт ёш келди, — деди Қамол. Ҳ. Назир, Қўктерак шабадаси. **Филт-филт қарамоқ** ёки кўзини филт-филт қилмоқ кўзни жовдиратиб, ялингансимон қарамоқ, мўлт-мўлт қилиб қарамоқ. Насимжон .. оғоиз илжайиш билан теваракка филт-филт қаради. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ФИЛК** айн. филт.

**ФИЛКИЛЛАМОҚ** 1 айн. кулқулламоқ.

2 айн. филтилламоқ 2. Турғуной кўзидеги филқиллаб турган ёшини дув тўқиди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ФИЛКИЛЛАТМОҚ** филқилламоқ фл. орт. н. У [Сами] кўздан пиёлага филқиллатиб яхна қўйиб секин ичди. Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

**ФИЛК-ФИЛК** филқ с. тақр. Сувни филқ-филқ ютмоқ.

**ФИМИЛЛАМОҚ** с. т. Фимирламоқ. Аҳмаджон ошпазининг ёнида фимиллаб юрган эди, ичкаридан дадасининг овозини эшитиб: — Лаббай дадажон! — деб уйга кирди. С. Кароматов, Ҳижрон.

**ФИМИРЛАМОҚ** 1 Тинимсиз бетартиб ҳаракат қилмоқ, бижир-бижир қилмоқ (одатда кўп ва майда жониворлар ҳақида). Чумолилар фимирлаб юрибди. — Қоплоннинг ичидеги ғайирлик қуртлари қанчалик фимирлаб, туҳмат ёғдиришга тайёр бўлса ҳам, бегона суҳбатдоши қошида ўзини халис тутмоқчи бўлди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Нарироқда бозор. Тим аро Бесаноқдир фимирлаган жон. М. Али.

2 с. т. Ивирсимоқ; имилламоқ. Кечки пайт эшикни килдир тақиллатди, ҳовлида фимирлаб юрган имомнинг хотини бориб: «Қим у?» деб эшик ёриғидан қаради. Ж. Шарипов, Хоразм. **ФИМИРЛАТМОҚ** фимирламоқ фл. орт. н.

**ФИМИРЛАШМОҚ** фимирламоқ фл. бир. н. Учасганинг бош томонда бир тўда болалар фимирлашиб юрибди. Р. Азизхўжаев, Яңил чайла.

**ФИМИРСИЛАМОҚ** айн. фимирсимоқ. [Қодирали] фимирсилаб юриб кунни аранг кеч қилди. С. Сиёев, Чархпалак,

[Қампир] гоҳ молхонада, гоҳ ошхонада ғимирсилаб юрганлари юрган. А. Мирахмедов, Кулган чечаклар.

**ГИМИРСИМОҚ** Бирор иш билан шуғулланиб юрмоқ, ивирсимоқ; имилламоқ. *Тинмазур чолларнинг ҳар бири олтиши-етмишига кириб; пенсияга ҳам чиқиб, колхоз ерида ғимирсиб юришибди.* С. Ахмад, Одамнинг изи. Алижон Тошкентга елдек етиб келди. Уйга кириб, онасининг соғ экани, илгаридай ғимирсиб юрганини кўриб қувонди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ГИМИРЧИЛАМОҚ** ичи ғимирчилади бирор иш-ҳаракат қилиши пайига тушди, ғайрати кўзиди. *Қашқарлик қаландарларнинг хонишини эшитиб менинг ҳам ичим ғимирчилаб қолди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

**ГИМИР-ГИМИР**: ғимир-ғимир қилмоқ айн. ғимирламоқ. *Кунлар исиб, қурт-қумурсқалар ҳам ғимир-ғимир қилиб қолди. Қампир эрталабдан кечгача богда ғимир-ғимир қилиб юргани-юрган.*

**ГИНГ** тақл. с. Пашша, ари каби қанотли ҳашаротларнинг овози ҳақида. *Пашша «гинг» деса эшитиладиган жимжит ҳовли.* Ойбек, О. в. шабада-лар.

◆ **Гинг демоқ** бирор ортиқча гап гапирмоқ, эътироз билдирмоқ, қаршилик қилмоқ. — *Агар у менинг башарамга туфласа ҳам, гинг дейишга ҳаққим йўқ!* — деди Тўғруной. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. **Гинг деёлмай қоломоқ** жавоб қайтаролмай қоломоқ, эътироз билдиролмай мот бўлмоқ. — [Мирфаёз] диплом ишини ҳам бекор қилмоқчи эди, бир-икки оғиз гапирган эдим, гинг деёлмай қолди, — деди Қодиров. М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

**ГИНГИЛЛАМОҚ** айн. гингилламоқ.

**ГИНГИЛЛАШМОҚ** гингилламоқ фл. бирг. н. Чивинлар гингиллашди, Норбўта Остонакулни садаф елтиғич билан елпий бошлади. Ғ. Расул, Адолат.

**ГИНГ-ПИНГ** айн. гинг-гинг.

◆ **Гинг-пинг демоқ** (ёки қилмоқ) айн. гинг демоқ қ. гинг. *Гинг-пинг десанг — кўрасан!* — [Қодиркул:] Агар шу топда гинг-пинг десам, ўзим зарар кўраман. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ГИНГШИМОҚ** 1 «Гинг-гинг» этган овоз чиқармоқ, гингилламоқ. — *Оламдан хабарсиз бу бетутириқларнинг салгина адабини бериб кўйиши керак. Токи, қулоғинг остида итпашшадай гингшиб, таъбинени тирриқ қилмасин, — деди уста Бабуд.* Н. Мақсудий, Мулла Мамасолиҳ билан Худ-худ сўфи ҳақида ҳикоя.

2 Инграган овоз чиқармоқ, инграмоқ; зорланмоқ. *Худойкул бир нафас гингшиб ётди ва товон зарбидан зўрга зудралиб дарвозага борди.* П. Турсун, Ҳўкутовчи. *Зал жим, фақат кимнингдир этагида бир гўдак ҳар замонда гингшиб кўяр эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Секин ва бегўхтов увламоқ, нолиган овоз чиқармоқ (ит ҳақида),

Совуқда қолган кучук кечаси билан гингшиб чиқди.

3 *Кўчма салб.* Жонга тегар даражада кўп шикоят қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ; мингилламоқ. *Машаққатли юришлардан зериккан хотини гингшиб-вериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Кўлда тузун, қўлтиқда соз, Сурма ичган — хаста овоз, Ута шилқим, баланд парвоз, Гингшиб кўймас отарчилар.* Т. Йўлдош.

**ГИНГШИТМОҚ** гингшимоқ фл. орт. н. *Бир кун Зулфиқор иккаламиз айланиб юриб кўрага келсак, [Зулфиқорнинг] ўғли итини ҳа деб гингшитиб урпти.* М. Исmoilий, Фарғона т. о.

**ГИНГ-ГИНГ** гинг с. тақр. Чивинларнинг гинг-гингидан бошқа товуш эшитилмасди.

**ГИНГШИМОҚ** айн. гингшимоқ, Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳа деганда ухлай бермади, гингшиб берди. Ҳ. Ғулом, Машғал. [Саид] қулоғи остида бетўхтов гингшитган шамол бошини гингитганданми, чемодини ера кўйиб, унга ўтирди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**ГИНГИЛЛАМОҚ 1** «Гинг-гинг» овоз чиқармоқ (пашша, ари, кўнғизлар ҳақида). *Гулзорда асаларилар гингилларди.* — *Бу самолётлар .. бомба ташламайди, безгак пашшадай гингиллаб бир-икки айланади-ю, кейин тўсатдан қочиб қалади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. 2 *Кўчма* Паст овоз билан айтмоқ, хиргойи қилмоқ. *Она бу ҳазин кўйиғини Умид беш ёшга кирганда ҳам баъзан-баъзан гингиллаб айтарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳузун шодлиқидан нарироқ бориб, ўзича қандайдир ашулани гингиллаб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Зухур махсум ижозат сўраб, овқатдан хабар олгани ичкари ҳовлига кириб кетди.* Унинг орқасидан қараб қолган домла гингиллаб байт ўқиди. Ғайратий, Довдираш.

**ГИНГИЛЛАТМОҚ** гингилламоқ фл. орт. н.

**ГИНГИЛЛАШМОҚ** гингилламоқ фл. бирг. н. *У супурғини кўтариши билан ҳамма пашша гингиллашиб, бир ерга тўпланди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

**ГИНГИРЛАМОҚ** айн. гингилламоқ, Элмуроднинг бир текис гингирлаган овози ёқимли нағмадай ҳаммининг эс-ҳушини қамраб олди. П. Турсун, Ҳўкутовчи.

**ГИНГИР-ГИНГИР**: гингир-гингир қилмоқ англаб бўлмас даражада, ноаниқ қилиб гапирмоқ, эшитилар-эшитилмас гапирмоқ, гингилламоқ. *Гингир-гингир қилмай, аниқроқ гапирсанг-чи!*

**ГИНГ-ГИНГ**: гинг-гинг қилмоқ айн. гингилламоқ.

**ГИП**: гип бўғмоқ қаттиқ бўғиб олмақ. — *Ҳой, менга қара!* — деди у [Уғилой хола] бурун катаклари пирпираб. — *Ёқангдан гип бўғиб, зўраон-*

лик қилаётганида деразадан кўриб турганман. О. Ёқубов, Ларза. [Маҳмуда] эрининг тўзгиган сочларига тикилиб ўтирибди-ю, лекин негадир ичидасини тўкиб солишдан ҳайиқяпти. Бу ҳайиқши алами эса томоғини гип бўғмоқда гўё! Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ГИППА**: гиппа бўғмоқ айн., гип бўғмоқ қ. гип. *Мадали Қосимов расмега бирпас тикилиб, индамай ўрнидан турди-да, қандайдир шўх куйни вағиллаб янграётган радиони гиппа бўғгандай ўчирди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ГИР** тақл. с. Нарсаннинг тез айланиши ёки тез ҳаракат қилиши туфайли ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Мотор парраги бир гир этди-ю, тўхтади.* **Гир этиб** тезлик билан, бир лаҳзада, дарров. *Вақт гир этиб ўтиб кетади.*

— *Поезда билет олинган кунни Мастура хола яна кўз ёши қилди: .. — Гир этиб келдингиз, гир этиб кетяпсан-а, онам?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Гир этган шамол** (ёки шабада) йўқ озгина ҳам шамол йўқ, шамол бутунлай йўқ. *Саратоннинг жимжит, зимзиё кечаси, Ҳаво дим. Гир этган шабада йўқ.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

**ГИРА-ШИРА 1** Эрта тонг ёки шомдаги нарсалар аниқ кўринмайдиган пайт. *Кечқурун гира-ширада уйга қайтиб келдим.* || *Гира-шира ёруғ.* **Гира-шира пайт.** — *Эъвозхон буеун уйдан ҳар кунидан эртарақ — тонг гира-ширасида, нонушта қилмасданок чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Назира дугонасидан олдин гира-ширада уйғонди.* Ҳ. Умарбеков, Юлдузлар. *Кўёш ботганига анча бўлган.* Атроф гира-шира қоронғи. С. Ахмад, Ҳукм.

2 *Кўринар-кўринмас; хира. Осмонни қизғиш кул ранг туман қоплаб, куннинг юзини гира-шира ва таъсирсиз қилиб кўйди.* П. Турсун, Ҳўкутовчи. | *Нарсаларни яхши кўриб бўлмайдиган, нимқоронғи. Гира-шира хона. Гира-шира подвал.* | *реш вазифасида Эс-эс, аранг, элас-элас. Уша даврни гира-шира эслайман.* — *Қим боло экан?* — *Қоронғида яхши ажратолмадим, тусини гира-шира анави қора Ҳомидга ўхшатдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёш палламда дадам, аям билан бирга шаҳардаги ҳовлимизга келганим гира-шира ёдимда.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГИРВАЙМОҚ** айн. гирмаймоқ. **ГИРВАЙТИРМОҚ** гирваймоқ фл. орт. н.

**ГИРИЛЛАМОҚ 1** Тез айланиш ёки тез ҳаракат туфайли «гир-гир» этган товуш чиқармоқ; пирилламоқ. *Машиналар гирриллаб, Саҳифалаб беради.* Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради. К. Муҳаммадий. *Моҳидилнинг кўз олдига ҳали гилдиракларини тортолмай гириллаб ётган ярим йўлдаги икки машина, хуноби ошиб, заҳмат чекаётган шофёрлар келди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 «Гир-гир» эсмоқ, тез елмоқ (ша-

мол, изғирин ҳақида). *Жанубдан ғириллаб шамол эсарди.* — *Тақсир!* — *Ҳасан сўфи хитоб қилди.* — *Сиз салқинда, ғириллаб шабадада кўкжой ичиб, маза қилиб ўтирибсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кун созуқ, арава-нинг устида ғириллаб турган изғирин юзларни ялайди.* Ойдин, Фонарь тагида.

**3** Бирор томонга тезлик билан бормоқ; дарров жўнамоқ; югурмоқ, чопмоқ, елиб югурмоқ. *Ҳаммамиз стадионга қараб ғирилладик.* Ғириллаб магазинга бориб кел. Икки машина бирин-кетин ғириллаб ўтиб кетди. — *Оташ-жон, югур, ёрма пишгуна ғириллаб бориб, Али қоровулдан бир истакон туз обке.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Келин, ўзингиз ғириллаб бориб, болангизни олиб кела қолинг.* С. Юнусов, Осон ишнинг охи бор.

**ФИРИЛЛАТМОҚ** ғирилламоқ 1, 2, 3 фл. орт. н. *Машинани ғириллатиб юргизмоқ.* — *Узим бирров бориб келай десам — бог.* Ҳамма ёқ очик-чо-чик. *Почангени ғириллатай десам, бо-зор-ўчар қоп кетади,— деди Ҳамидога аммаси.* С. Анорбоев, Мехр.

**ФИРИНГ:** ғиринг демоқ айн. ғинг демоқ қ. ғинг. — *Зеби опа, ҳалиги яна ғиринг деганда дабдаласини чиқариб ўша ерга кўмиб келар эдик-да,— деди кимдир Адолатнинг орқасида.* С. Зунунова, Гулхан. **Ғиринг** демай (ёки демасдан) индамасдан, эътироз билдирмасдан, қаршилик қилмасдан, сўзсиз. *Айтганимни ғиринг демай бажарасан.* — *У киши нима гапирсалар, тўғрими, нотўғрими, ғиринг демасдан бажарардик.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уришлари.

**ФИРИНГЛАМОҚ** Бирор нарсдан жонга тегар даражада нолийвермоқ, ҳасрат қилавериш ёки кераксиз гапларни гапиравериш тўйдирмоқ; ғингилламоқ, ғингшиноқ.

**ФИРИНГЛАТМОҚ** ғирингламоқ фл. орт. н.

**ФИРИНГЛАШМОҚ** ғирингламоқ фл. бирг. н.

**ФИРИНГ-ПИРИНГ** Бирор нарсдан минғирлаб нолиш, зорланиш; ҳасрат қилиш. *Ғиринг-пиринг қилмоқ.* — *Ғуллом ака серхархаша хотинининг ғиринг-пирингига ўрганиб қолганидан унча-мунчасини терисига юқтирмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ФИРИНГ-ФИРИНГ** айн. ғиринг-пиринг. [Умурзоқ:] *Шўрнинг курсин-да, хотин .. ғиринг-ғиринг қиласан, на гапинининг ити бор, на боғичи.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ФИРМАЙМОҚ** Кўзни қисиб қийшиқ қарамоқ; шиграймоқ. — *Ёки ўйинни дуранг қилмоқчимсан?* — *ғирмайди у [Маннон].* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ФИРРА** «Ғир» этиб, дарров, бир онда. *Тўй ўтгандан кейин Умид машинада ишошиб келиб, болохона хужрасидан у-бусини олиб, .. яна профессор машинасида ғирра жўнаб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. *Хотини хуржунга қоракўл тери*

*эмас, пўстак солибди.* *Ҳеч нарса демарди, ғирра изига қайтди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

**ФИРРА-ФИРРА** айн. ғир-ғир 2. *Машиналар ғирра-ғирра келиб турибди.*

**ФИРРОМ** Бошқаларни алдашга, бировнинг ҳақиға хиёнат қилишга уринадиған; нопок, муттаҳам. *Фирром одам.* || *Фирром билан дўстлашма!* — *Сўфиев нодон, жоҳилгина бўлмай, ўзига хийла ишонган фирром ҳам эканлиги кўриниб туради.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Мен уни фақат ёмон томондан биламан, такасалтанг, ўлғудай дангаса, фирром, бунинг устига ғийбатчи дейишади.* С. Қароматов, Тоғ гўзали.

**ФИРРОМЛИК** фирром с. белги оти. *Бирдан болалар орасида тўполок кўтарилди.* *Мирсолнинг фирромлигидан жанжал чиққан эди.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Ўзи ўлғудай тўғри сўз, фирромлик, қувеликни билмасди.* Шу томонлари дўстига ёқарди. Мирмуҳсин, Умид.

**ФИРРОМЧИЛИК** с. т. Фирромлик. *Кони алдамчилик, фирромчилик экан уларнинг иши.* С. Қароматов, Бир томчи қон.

**ФИРТ** I Жуда, ниҳоятда, ўтакетган даражада қабн маъноларни ифодалаб, ўзидан кейинги келган сўз маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. *Фирт ёлгон.* *Фирт саводсиз.* *Фирт аҳмоқ.* — *Ҳа, ҳикоянгиз хом, фирт хом.* *Чехов тирик бўлса, ҳикоянгизни ўқиб, қулогингизнинг тазиега бир тарсаки туширар эди,— деди Анжирбоев.* С. Ахмад, *Хом сут эмган танқидчи.* *Отам фирт оми бўлишига қарамай, ўта диндор эди.* А. Муқимов, Қопқон. | *Ўта кетган, ашадий.* *Отлиқлар ўтиб кетди.* *Бари фирт босмачи.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ФИРТ** II тақл. с. Кесиш, узиш ёки ишқаланишдан ҳосил бўладиган кескин товуш ҳақида. *Эшик фирт этиб очилди.*

◆ **Фирт** этмади на «ҳа», на «йўқ» демади, индамади.

**ФИРТИЛЛАМОҚ** «Фирт» этган товуш чиқармоқ. *Эшик фиртиллаб очилди.*

**ФИРТИЛЛАТМОҚ** фиртилламоқ фл. орт. н. *Эшикни фиртиллатма!*

**ФИРТ-ФИРТ** фирт II с. тақр. *Вақт ярим кечадан ошган эди.* *Фақат сойдаги ўтлаб юрган отларнинг ўтми фирт-фирт узиб чайнаши эшитилади.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Фирт-фирт этиб бедами, поями қирқиларди.* А. Қахҳор, Сароб.

**ФИРЧ** айн. ғирт II. *Ғирч этмоқ.* — [Нодиржон] *ҳафсала билан қўл қўйиб, аризани икки буклаб ушлаб ўрнидан турган эди, эшик ғирч этиб очилиб, Розиковой кирди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**ФИРЧИЛЛАМА** «Ғирч-ғирч» товуш чиқарадиган, ғирчиллайдиган. *Ғирчиллама этик.* — *Ер юзига оппоқ гилам тўшалган: оёқларингиз остида ғирчиллама қор.* Т. Мирҳодиев, Илк ёғдулар.

**ФИРЧИЛЛАМОҚ** «Ғирч-ғирч» этган товуш чиқармоқ, ғичирламоқ. *Эшик ғирчиллаб ёпилди.* — *Секин эринмасдан ёғатган лайлак қор Адолатнинг оёқлари остида амиркон маҳси-кавушдек ғирчиллайди.* С. Зунунова, Гулхан.

**ФИРЧИЛЛАТМОҚ** ғирчилламоқ фл. орт. н. *Дарҳақиқат, тор кўча ичидан .. Нозикхон амиркон кавушини ғирчиллатганча солланиб келарди.* Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар. *Валихон .. этигини қаттиқроқ ғирчиллатиб, Ҳабиба хонимнинг ҳузурига! борди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Шабада ўтовнинг керагаларини аста ғирчиллатади.* А. Мухтор, Чинор.

**ФИРЧЧА** Нуқул, турган-битгани, ғарчча. *Ғирчча мой.* — [Эшонхон:] *Авалло, оқсон қанд-қурс, ёғлиқ памир, қулинг ўргилсин ғирчча думбали сом-саларни тўқиб ташлайди дастурхонга.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ФИРЧ-ФИРЧ** ғирч с. тақр. *Янги ёққан қорни ғирч-ғирч босиб бормоқ-дамиз.* || *Кечаси ухломлади.* *Унинг қаравоти ғирч-ғирчидан онанинг уйқуси ўчиб кетди.* *Ўша маҳал не хаёлларга бормади!* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ФИР-ФИР** I ғир с. тақр. *Фир-ғир қилиб лента узилди.* — *Менинг отам бўлса дуғчи, қашшоққи, у ёғи йўқ.* *Саҳардан шомга қадар жомеда ғир-ғир дуғ тортади,— деди Зумрад Гуласалга.* Ойбек, Улуғ йўл. | *Ҳавонинг тез ҳаракат қилиши, тез эсиши, елиши ҳақида.* *Фир-ғир шабада.* || *Қирларда ҳали мол оғзи тегмаган ўсиқ ўтлар ғир-ғир эсган шомода бешиқдай тебранади.* С. Анорбоев, Оқсой. || *Юқорилаган сари, мияни гангитувчи қаттиқ гувиллаш пасайиб, унинг ўрнини салқин шамол ғир-ғир-ю, тўр-ай, қалдирғочларнинг вижир-вижир, қарқуноқларнинг қиғ-қиғи эгаллади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *Тез-тез, ғир этиб, ғизиллаб.* *Қатта кўчадан енгил машиналар, трамвайлар ғир-ғир ўтиб турибди.* С. Акбаров, Отанинг хаёллари. *Ғира-шира тонгда қишлоқда қизгин ҳаракат бошланиб кетди..* *Машиналар, темир боқсалар ва қоп-кажов ортилган автомобиль, аравалар ғир-ғир ўтмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ФИРҒИРАК** с. т. Бизбизак. **ФИРҒИРАКИ** с. т. Сийрак тўқилган доқа, шаша.

**ФИТ** айн. ғийт. *Бир оздан кейин автомобиль гувиллаганча қайтиб келди ва аста бурилди-да, фит этиб тўхтади.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ФИТИЛЛАМОҚ** «Фит» этган овоз чиқармоқ, ғийтилламоқ. [Фуод афанди] *эшикнинг фитиллаб очилганини эшитиб қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **ФИТИЛЛАТМОҚ**, фитилламоқ фл. орт. н. *Эшикни фитиллатиб очмоқ.*

**ФИЧИЛЛАМОҚ** айн. ғижирламоқ. [Ориф ака] *«Нима қилиб ўтирибман!» деб ғазабли алам билан ўрнидан тур-*

ғанида кўча эшиги ғичиллади. А. Мухтор, Чинор.

**ҒИЧИР** айн. ғирч. Ғичир этмоқ. **ҒИЧИРЛАМОҚ** айн. ғирчилламоқ. Довон билан иккимиз яқинимиздаги бир ҳовлининг эшигини зўр бериб итара бошладик, эшик ғичирлаб, қирсиллай бошлаган эди, . . . ичкаридан қути ўчган кекса бир кишининг овози эшитилди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҒИЧИРЛАТМОҚ** ғичирламоқ *фл. орт. н.* Тишларни ғичирлатмоқ. ■ Башорат наридан-бери енгини ишариб столдан идиш-товоқларни йиғиштириб, бармоқлари билан ғичирлатиб тарелкаларни бирин-кетин ювди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҒИЧИР-ҒИЧИР** ғичир *с. тагр.* Қорни ғичир-ғичир босиб юрмоқ. || От туёғи товуши билан жувоз ғичир-ғичири бир оҳангда жўр бўлишади. Н. Фозилов, Оқим.

**ҒИЧ-ҒИЧ** айн. ғиж-ғиж. — Меҳтарнинг томоғи мойланмаган арава ғилдирагидек ғич-ғич қилляпти, — деди Бойбур. М. Осим, Элчилар. Тенада чумчуқлар ғич-ғич уя қуришган. Ойбек, Болалик.

**ҒИША** Қамишга ўхшаб ўсадиган, ammo поясининг ичи ғовак бўлмайдиган ўсимлик; савағич. Ғиша — савағич, қамишга қараганда у бошқача ўсади. Қамиш бир-бирига туташиб тўқай бўлиб кетса, савағич худди садага ўхшаб ҳар ер-ҳар ердан тўп-тўп қайнаб чиқади. С. Аҳмад, Уфқ.

**ҒИШАВА** [а] Қайсарлик ёки инжиқлик билан қилинадиган жанжал, хараша. Ғишава қилмоқ. ■ Унга ёнидаги улфатларининг дабдурустдан бошланиб кетадиган ғишавасини томоша қилиш, кўк чой ичиб роҳатланиш — ғанимат. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ҒИШАВАЧИ** Ғишава қилувчи, қайсарлик билан арзир-арзимас нарсага жанжал қилувчи. Ғишавачи бола.

**ҒИШАЗОР** Ғиша билан қопланган, ғиша ўсиб ётган майдон. Аравалар неча жойда ботиб, чакалакзор ва ғишазорларни оралаб, ниҳоят, бир қишлоққа етиб келишди. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи билан.

**ҒИШТ** [ф-т хишт] Қолип ёрдамида лойдан тўртбурчак шаклида қуйилдиган қурилиш материали. Хом ғишт. Пишган ғишт. Ғишт қуймоқ. Ғишт термоқ. Қолипсиз ғишт битмас, режасиз иш битмас. Мақол. || Ғишт девор. ■ Аёл бошидаги чит дуллрасини тузатиб, айвондан дарвозагача ҳар ер-ҳар ера ташлаб қўйилган ғиштардан юриб, Адолатларнинг ёнига келди. С. Зуннова, Гулхан. Эшик ва деразаларини аланга ялаётган кичкина ғишт иморатнинг томида ким дам-бадам автомат отаётибди. А. Қаҳор, Олтин юлдуз.

◆ Ғишт қолип(и)дан кўчди фурсат ўтди, бўлар иш бўлди. Энди ғишт қолипдан кўчган эди. Сайёра муросага келди.

Исмоилнинг алимент тўлашини сир тутди. П. Қодиров, Қалбағи қуёш. Ғурига ғишт қаламоқ қ. гўр.

**ҒИШТИН** [ф-т хиштин] 1 Ғиштдан қилинган. Ғиштин иморат. ■ «Суворовчи» фронт газетаси редакцияси . . . икки қаavatли ғиштин бинога жойлашган эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. [Фотима] ғиштин зинапоёга аста кўтарилди-да, қорайган йўлакка кириб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қарта ўйнида: қартанин ғиштинмон қизил холлари бўлган хили. Ғиштин моткаси. Унлик ғиштин.

**ҒИШТЧИ** 1 Ғишт қуювчи.

2 Ғишт терувчи уста. Энди тошларни хуржунда ва этакда ташиб етказишга ҳам сабрлари чидамади, худди мактаб қурилишидаги ғиштчиларга ўхшаб қўлдан-қўлга иргита бошлашди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҒИШҒИША** Ғишава, хархаша. У оёқ учи билан юриб, иккинчи уйга кирди. Болалар ўйғонмасин дебми ёки Лаълихоннинг ғишғишасидан кўрқибми, астагина ечинди-да, ўз қаравотица келиб ётди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

**ҒИҚ** тақл. *с.* 1 Томоққа бирор нарса текилганда, бўғилганда, ҳаво олиш қийин бўлганда ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Бемор ўқтин-ўқтин ғиқ этган товуш чиқарди. Ғиқ этмай (ёки демай) 1) бирор овоз чиқармасдан, гапсиз-сўзсиз, индамасдан, жим. Айвон тўла хотин, ҳалмаси оқ дока рўмолни бир юзига тушириб, ғиқ этмай ўтиришибди. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) эътироз билдирмай, қаршилик қилмай, ғиринг этмай. Қуод афандининг қўлида Ҳожжи холани ғиқ дегизмайдиган қудратли хўжжатлар бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. ғийт. Эшик ғиқ этиб очилди.

Машина ғиқ этиб тўхтади.

**ҒИҚИЛЛАМОҚ** «Ғиқ-ғиқ» этган товуш чиқармоқ. Соилда ғиқиллар хўқача чигир, Уни айлантлар қари, кўр эшак. Ғ. Ғулум. Баъзи бир эшиклар худди биров тортгандай ғиқиллаб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҒИҚИЛЛАТМОҚ** ғиқилламоқ *фл. орт. н.*

**ҒИҚ-ҒИҚ** ғиқ *с. тагр.*

**ҒОВ** 1 Бирор томонга ўтиш, кириш учун имкон бермайдиган қурилма, тўсиқ. Тиканли сим ғов. Ғов ясамоқ. ■ Махсум эшакни кўприкнинг ғовига боғлаб, олдига ўт олиб солди. А. Қаҳор, Қўшчинор. Бу ерни тепаликдан бемалол кўриб туриши мумкин. Шунинг учун ҳам энг яхши артбатарея ва икки пулемёт йўлдаги ғовларни қўриқлашга қўйилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Халқ гувиллаб олдинга юрди, уни миришлар ғови тўсиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 спорт. Куч синаш машқлари ўтказиладиган тўсиқ. Маррага боргунинча Ун бир ғовдан сакрайсан. З. Двёр.

3 кўчма Ҳаётда учрайдиган ҳар қа-нақа қийинчилик, бирор иш-ҳаракат қилишга бўлган монелик, тўсиқлик, тўғаноқ. Ғов бўлмоқ. Мард йўлида ғов қолмас. Мақол. ■ Партия бош бўлди, енгдик ғовларни, Бизнинг ғалабага жаҳон мунтазир. Х. Салоҳ, Ишимиз ҳали у даражага етган эмас, биз ҳозир фақат совчининг йўлидаги биринчи ғовнигина буздик. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Халқ ҳужуми — тўлқинли дарё, қудратли оқим, йўлидаги ҳар қандай ғовни мажасқлаб ташлайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҒОВАК** Ичн бўш; қавак-қавак, ғалвирак. Ғовак ёғоч. Ғовак тоғ эжинси. Металлнинг ғовак жойлари. Қамиш поясининг ичи ғовак бўлади. ■ Бўз ер-да, неча минг йиллардан бери кўксидан сув думаламаган ғовак ер — сув босиши билан чўкиб, халқоб бўлиб қола бошлади. Ш. Ғулумов, Бахт бўстониға. Махсус пресда лойдан ғовак парчалар тайёрланади. М. Султонов, Тошдан йирик панелгача.

**ҒОВЛАМОҚ** 1 Ҳосил бермай ёки кам ҳосил бўлиб тез ўсиб кетмоқ; ортиқ даражада бўйига ўсмоқ. [Шерали] Пахтаге ҳам бўйингега ўхшаб ғовлаб кетибди-ю, мақтанасан, ука! О. Ёқубов, Чин муҳаббат. Ғўзанин ғовлаб кетмаслиги, бўғинлари мустоҳкам, калта бўлиши мақсадага мувофиқдир. Б. Ҳалилов, Мўл ҳосил жонкуярлари. Шундай ҳоллар бўладики, экин уч марта ва ундан кўпроқ озиқлантирилади, лекин у ғовламайди, ҳосили мўл, ғўзапояси нормал бўлади. А. Дадабоев, Дастлабки ютуқларни мустаҳкамлайлик.

2 кўчма Кучаймоқ, бардамланиб кетмоқ, зўраймоқ. Қибр-ҳавоси ғовлаб кетган терговчи бошини кўтариб «хўй!» дейишни ҳам эп кўрмади. В. Маҳаматов, Ҳам айланиб, ҳам ўргилиб. Йўлакдаги муҳаббат ғовлаб кетиб, қизиқ хангамалар бошланди. М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

◆ Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар нима бўлса бўлар деган маънода ишлатиладиган ибора. Бу том ва деворлар узоқдан гўё бирон ҳафсаласиз одам «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилидан қилиб, омонатгина қўнқайтириб қўйгандек кўринади. Х. Шамс, Душман. Қалласи (ёки мияси, боши) ғовлаб кетди нима иш қиларини билмай қолди, гангиб қолди, боши қотди. Умуман одамларга яхши қўйилмайдиган Қомил катталар олдида ўзини йўқотиб қўйган эди. Ҳозир унинг калласи ғовлаб, қулоғи шанғиллар эди. М. Осим, Тилсиз гувох.

**ҒОВЛАТМОҚ** ғовламоқ *фл. орт. н.* Экинни ғовлатиб юбормоқ.

**ҒОВУР** Турли аралаш овозлар, шовқин-сурон; ғовға. Йўғилганлар орасида ғовур бошланди. ■ Эракк кишининг асабий товуши хотиникига қўйилди; ғовур кўтарилди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. [Аҳмаджоннинг]

қўзи олдиға гоҳ Нусрат, гоҳ Зулфия, гоҳ Латофат келиб, унга алланарсалар дейётгандай бўлар, уларға одамлар ғовури қўйишлиб, катта чайқов бозорда юргандай боши ғувиллаб кетди. С. Кароматов, Ҳижрон. Денгиз тўлқинлари пишқириб, қирғоқларға сапчиб ётган бу азим шаҳар кечаси-ю кундузи ўзига хос бир ғовур билан яшайди. О. Ҳакимов, Покистон бўйлаб.

**ҒОВУРЛАШМОҚ** Ғовур кўтармоқ, шовқинлашмоқ. — Собир ота ҳам қулми? Бу ғовурлашган камбағаллар ҳам қулми? — деди Сафарқул бойға. Айний, Қуллар.

**ҒОВУР-ҒОВУР** ғовур с. тақр. Болалар ғовур-ғовурдан бошим оғриб кетди. Ғовур-ғовур қилмоқ. || Ғовур-ғовур гаплар.

**ҒОВУР-ҒОВУР** айн. ғовур-ғовур. Металл овози, кишиларнинг ғовур-ғовури, машиналарнинг гулдираниш меҳнат кунининг бошлангичидан дарак берар эди. М. Осим, Йигитали. Тўқсон ғовур-ғовурдан сапира олмай қолди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒОВҒА** с. т. Ғавғо.

**ҒОЗ I** Ёввойи ёки хонакилаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қуш. Урғочи ғоз. Ғоз боласи. Ғоз ғўйиши. — Анави Тўлаганининг эркатойи! Минаман деб ғозларни қулагани-қулаган. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. Қўқлам келди, учиб ўтди, ғозу турналар. Ғ. Ғулом. Соҳилида чайқалар қамиш... Учиб ўтар баъзан ўрдақ, ғоз. Ё. Мирза.

2 кўчма Гавдани тик кўтарган ҳолда; тик туриб; тикка. Гавдани ғоз тутмоқ. У ғоз юриб чиқиб кетди. — Қизил шапкали қотмагина темирийўлчи минбарға юзуби чиқди-да, Охунбоев олдида ғоз туриб рапорт берди. Х. Ғулом, Тошкентликлар. Қаклик чиройли бўйинини ғоз тутганича маст кўзларини жовдиратиб, . . . хониш қиларди. С. Анорбоев, Оқсой. Ғоз юриш кўкрак кериб, гердаини юриш, мағрур юриш. Аёл ғоз юриш билан кўчага чиқди. — Ғоз қараш бўйинини чўзиб қараш, аланглаш. [Бону] ўрнига бориб ўтириб, залдагиларға бир ғоз қараш қилиб қўйди. С. Кароматов, Ҳижрон.

**ҒОЗ II** [р газ] эск. кт. айн. газ II.

**ҒОЗ III** с. т. Куч; калория. Ғози йўқ овқат. Офтобда туриб ўғитнинг ғози қолмапти. — Деҳқон етиштирган нозу-неъматларнинг ғози бўлсагина пазанданинги оши тотли бўлади. М. Каримжонов, Патинжон.

**ҒОЗИЙ I** [а] эск. дин. Ғазотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи. Бу муқаддас жангда ўлган — шаҳид, ўлдирган — ғозий. Н. Сафаров, Шарқ тонги. — Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажаллари етган бўлса, шаҳид бўларлар; сўрамоқ нега керак, — деб совуққонлик билан жавоб берди отлик. Айний, Қуллар.

**ҒОЗИЙ II** кт. Газсимон, газға ўхшаш. Ғозий моддалар.

**ҒОЗКАПТАР** Ботқоқларда, сув бўйида яшайдиган қичкина сув қуши.

**ҒОЗЛАНМОҚ** Гавдани тик тутмоқ, ростламоқ, қадни кўтармоқ. Чернецов столға хиёл энгашиб ўтирган эди, Юрвенияни қийнаётганини кўриб, ғозланди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ҒОЗЎТИ** Танаси тиканли бир турли ўт.

**ҒОЗ-ҒОЗ:** ғоз-ғоз турмоқ ўз мувозанатини сақлаган ҳолда оёқда турмоқ, тик турмоқ (энди юришга ўрганаётган бола ҳақида). Уғлим ғоз-ғоз турадиган бўлиб қолди. — Хадича енг шимариб даҳлизда ғўйит чоплатти. Энди ғоз-ғоз тура бошлаган қизалоқ осма беланчакада. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ҒОЙИБ [а]** I Шу ерда мавжуд бўлмаган, шу ерда йўқ, қўринмайдиган; кетиб қолган; йўқ бўлиб кетган. || Ғойибни йўқламоқ. — Шу пайтда бир кабутар ажойиб, Қўқда борар гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб. С. Абдулла, Тохир ва Зухра. **Ғойиб бўлмоқ** 1) кўзга кўринмай қолмоқ, йўқ бўлиб қолмоқ. Мағмуржон орқасига қарай-қарай муюлишдан ўтиб, ғойиб бўлди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) бирор ёққа кетиб қолмоқ, кетмоқ. [Комила] тонгда кампирниқига келди. Қирса Матниёз йўқ, Матниёз кетиб қолган эди. Қаяққа ғойиб бўлганлиги номаълум. А. Мухтор, Чинор; 3) йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. Бундан беш йил илғари бир сабаб билан бу хоёллар бутунлай ғойиб бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа фикрлар эгаллади. М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. **Ғойиб қилмоқ** кўринмайдиган қилиб қўймоқ, яширмоқ; йўқотмоқ. Уни ғойиб қилганимиз яхши бўлди. **Илми ғойиб** киши билиши, тушуниши мумкин бўлмаган ҳодиса. Бу илми ғойиб. — Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Н. Сафаров, Дон.

2 Ғойиб (эрхаклар исми).

**ҒОЙИБДАГИ** Шу ерда мавжуд бўлмаган, қутилмаган жойдаги; узоқдаги. Йигитнинг кўнгли айни шу кўйни тусайтганини ғойибдаги қиз қаёқдан билди экан? И. Раҳим, Тақдир.

**ҒОЙИБДАН I** Қутилмаган жойдан, йўқ жойдан, йўқдан. Хазина ғойибдан эмас — меҳнатдан. Макол. — Таътил кунлари Саидий учун ғойибдан келган зўр бойлик бўлиб, унинг қанчасини нима ишларға сарф қилишини билмай шошилар эди. А. Қаххор, Сарсб. Ғойибдан келган бу хуржунни Ойша хола салмоқлаб кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 айн. ғойибона I. Элмурод бу қорача, чехраси очик йигит билан ҳамсухбат бўлмаган бўлса ҳам, уни ғойибдан танир, одамлар оғзидан эшитган эди. П. Турсун, Уқитувчи. Жавод уларнинг кўпларини ғойибдан танийди. И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

**ҒОЙИБОНА [а+ф+т]** I рвш Ўзини кўрмаган ёки суҳбатлашмаган ҳолда, орқаворатдан, сиртдан. Ғойибона

ошиқ бўлмоқ. — Қумушининг ғўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзуманлар . . . қутидорниқига совчиларини турна қатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Бўтабой билан қучоқлашиб кўришдим. У мени ғойибона танир экан. З. Фатхуллин, Редакция: топшириғи билан.

2 сфт Номаълум; фавқуллода. [Маҳкам ака] оғасининг гапларини эсларди. Эсланган сари бағри бутун бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилар, олам бошқача кўринар, аллаёқдан ғойибона куч белига, кўзларига нур ато қилаётганга ўхшарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ҒОЛИБ [а]** Уруш, жанг, кураш, тортишув, мусобақа ва ш. к.да ғалаба қозонган, устун чиққан; музаффар. Ғолиб халқ. — Урушдан қайтган ғолиб отадек Қўйни-қўнғи тўлиб саҳий куз келди. Ғ. Ғулом. Соттихон фақат мусобақа ғолибигина эмас, балки изждий меҳнат ва новаторликда ҳам намуналар кўрсатган илғор ишчилардан бири. Туйғун, Станоклар ёнида. **Ғолиб келмоқ** (ёки **чиқмоқ**) 1) уруш, жанг, мусобақа ва ш. к.ларда устун чиқмоқ, ғалаба қозонмоқ, ютмоқ. Мусобақада ғолиб чиқмоқ. — Сен кураида ғолиб келганда, Тоғдай кўтарилар кўкрагим. Т. Тўла. Айтгандек жангда енадик, Ғолиб чиқдик, хўп севиндик. Шайхзода; 2) кўчма зўраймоқ, кучаймоқ, ғалаба қилмоқ, устун келмоқ. Дардим ғолиб келиб, ётиб қолдим. — Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, торган азови ҳам эсидан чиқди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒОЛИБИЯТ [а]** Ғалаба қозонини; ғолиблик, устунлик; ғалаба, зафар. Бугун Азизбек ғолибият далдасида кўрғонлардан бир айланиб чиқмоқчи эди. А. Қодирий, Утган кунлар. — Иншоолло, буюқ Русиямиз ғолибиятга эришажак. Бунга аминлик, — деди Эшонхон билимдонлик билан. Ойбек, Улуғ йўл.

**ҒОЛИБКОР [а+ф+т]** Ғалабага олиб борувчи; ғалаба қозонувчи, ғолиб. Социалистик тузумнинг ғолибкор қудрати. — Хоразмнинг бу йил ҳам ғолибкор бўлишини муттасил қузатиб бормоқдалар. К. Яшин, Дам ғанимат, пахтакор.

**ҒОЛИБЛИК** ғолиб с. мавҳ. от. Достон мазмунда кураш ва зафар, Ғолиблик ғурури дунёлар қадар. М. Алавия. Бир кун [Раънонинг] асаблари, ҳиссийтлари ғолиблик қилди-да, қадрдон совхозни тарк этди. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йуриғи билан.

**ҒОЛИБО [а]** кириш с., эск. кт. I Кўпинча, асосан. Ғолибо шундай дейилади.

2 Афтидан, тахминан, балки. Алишер марҳум Абулқосим Бобир саройига хизматга кирганларида, ғолибо, ўн беш ёида эдилар. Ойбек, Навоий.



**ГОЛИБОНА** [а+ф-т] Голибларга хос, голибларча; зафарли; тантанали. *Голибона кўриниши. Голибона юриши.* — *Хужрамега кирсанг, ҳаммасини билиб оласан,— деди у голибона бир тарзда.* Айний, Эсдаликлар. || Эшикни очишлари билан чибор кийимли олиф-та бир қиз ичкаридан отилиб чиқди-да, Маҳкамни елкаси билан уриб ўтди, кечирим сўраш ўрнига голибона кулиб «хайр» деди-да, нозли қадамлар билан кўча томонга кетди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ГОН** қ. х. Ипак қурти боқилган сўқатда кўрт егандан қолган барг ва ахлатлар.

**ГОР** Ер остида ёки тоғ массиви ичида табиий ҳолда вужудга келган катта хажмдаги бўшлиқ. Тоғнинг тагида *гор бўлиб, унда илонларнинг подшоси — Аждадар Султон ёлғиз турар эди.* «Эр-таклар». *Бу тепанинг шимоли-ғарбий ёнбағрида бир гор бор эди.* Айний, Эсдаликлар. Олимов . . . чўққининг остида *гор каби йўйилган бир ерни кўрсатди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГОРАТ** [а] кт. Талон-торож, вайронлик, бузғунлик. *Горат бўлмоқ. Горат қилмоқ.* — *Қурдик не-не имрат, Аммо билмадик горат.* М. Али. *Аммо на раҳм бор ва на адолат, Элни зовим шундай этмишдир горат.* Миртемир.

**ГОРАТГАР** [а+ф-т] айн. **горатчи.** Жаҳон горатгари шарманда ул шиддатли ёв қочди, Гўзал боғимни ёндирумоқ учун юрган олов қочди. Ҳаббий.

**ГОРАТЧИ** Талон-торож қилувчи, таловчи; вайрон қилувчи, бузувчи. *Афгон ва ўзбек халқлари. айни замонда ташқи горатчилар кулфатини бирга тортганлар.* В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

**ГОФИЛ** [а] Фафлатда қолган, ҳеч нарсадан беҳабар. *Э, гофил она, тур, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди.* С. Аҳмад, Муҳаббатнинг туғилиши. *Ишла, ишлов вақти келди, Ётма гофил бандалар! Ҳамза.* [Умар:] *Кечир, дўстим, гофил қолдим. Иссиқ кўйинида илон ётганини билмадим.* Й. Султон, Имон.

**ГОФИЛЛИК** гофил с. белги оти. *У эрининг бепарево ва гофиллигидан шикоят қилди.* — *Мени сиз чақирдингизми? — сўради Малика, ўзини гофилликка солиб.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ГОЯ** [а] 1 Бирор иш-ҳаракат қилиш қақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Ҳиндистоннинг миллионларча асл ўғилларининг юраклари шу гоя билан тепарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Раҳматилла гўё ўз гояларининг амалага оширидан умид узган ва бу гояларни кўнглидан чиқариб ташлаган.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учуда жон бериш жуда ширин эди ва кўндан бери гоям эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Дунёқарашнинг асосий, муҳим принципи, идея. *Марксизм-ленинизм гоялари бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг кураш байроғи бўлиб қолди.* — *Мен ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг гоялари йўлида тугатажасман.* 3. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ГОЯВИЙ** [а] 1 Муайян бир гояга асосланган; идеологик. *Гоявий тарбия.* *Гоявий қурол. Гоявий кураш.* — *Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жангавар традицияларига амал қилувчи комсомол гоявий жиҳатдан мустаҳкамлиги ва партия ишига содиқлиги билан кучлидир.* «ВЛКСМ Устави».

2 Бирор нарсанинг асосий моҳиятини, гоясини ифодалайдиган. *Пьесанинг гоявий мазмуни.*

**ГОЯВИЙ-АХЛОҚИЙ** Гоя ва ахлоққа оид, гоявий ва ахлоқий. *Сиз комсомолсиз, ким билан юриш-туришни йўйлаб, эҳтиёт билан қадам бошишингиз керак. Акс ҳолда бюро ҳалиги аризани эмас, сизнинг гоявий-ахлоқий қидёғангизни кўришга мажбур бўлиб қолади.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ГОЯВИЙЛИК** гоя с. белги оти. *Ишда юксак гоявийлик бўлмоғи керак.*

**ГОЯВИЙ-СИЁСИЙ** Гоя ва сиёсатга оид, гоявий ва сиёсий. *Омmani гоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.* — *Қадетлар адамчилик билан омmani ўз гоявий-сиёсий таъсирларига бўйсундирумоқчи бўлдилар.* «КПСС тарихи».

**ГОЯВИЙ-ТАРБИЯВИЙ** Гоя ва тарбияга оид, гоявий ва тарбиявий. *Гоявий-тарбиявий ишлар.*

**ГОЯЛИ** Муайян бир гояга асосланган. *Юксак гояли адабиёт.*

**ГОЯСИЗ** Аниқ бир сиёсий ёки маънавий мақсади бўлмаган; тутуруқсиз.

**ГОЯСИЗЛИК** гоясиз с. белги оти.

**ГОЯТ(ДА)** [а] Хаддан ташқари, ниҳоятда, жуда. *Гоят гўзал. Гоятда кучли.* — *Уйимиз гоят шинам, Ҳаммага жой бор. Меҳмонлар юлдуз бўлса, Уртада ой бор.* Шайхзода. *Мажлисга чўккан гоят оғир вазиятни тарқатиш учун танаффус эълон қилинди.* Х. Назир, Кўктерак шабадаси. *Покистонда адабий ва илмий, айниқса, тағлимий, диний ҳикоятлар гоят зарурдир.* Ойбек, Нур қидириб.

**ГУБОР** [а] 1 Чанг, гард, тўзон. *Букун кун бўлади равшан ва бедоғ, Губор йўқдир зарра ҳавода.* Х. Олимжон. *Булултар тарқалиб, уфқлар ҳақиқ, Осмонда губор йўқ, тиниқдан-тиниқ, Кўёи чарақлайди нурини сочиб.* Ф. Ғулум.

2 махс. Чангсимон доғ, кул (ўсимликлар касаллиги). *Бундай [касал] нодаларда ҳам, худди барглардаги сингари кул ранг губор пайдо бўлади.* У. Расулов, Тоқни қулдан сақлайлик.

3 кўчма Кўнгли ёки дил қирлиги, хафалик, дилгирлик; ғам. *Жаббор кўнглидаги губор ҳам всидан чиқиб, бирдан ўзини тўтолмай кулиб юборди.* О. Ёқу-

бов, Учрашув. *Никоҳ қилиб олди Барчин ёрини, Кўнглидан чиқариб кўп губорини.* «Алпомиш». *Қиш пайтида келди баҳор, Юрагимдан кетди губор.* «Нигор ва Замон».

4 кўчма Бирор кўнглисиз ҳодисанинг қолдиқ таъбири, асорат. *Уша касалликдан бир оз губор қолган.* **Йўл губори** йўлда чарчаганлик, хорғинлик, чарчоқ. *Қишлоқ қизларининг ишў, йўноқи ялларини эшитсанг, . . . узоқ йўл губори кўтариладек бўлади, танинг йўраб, дилинг роҳатланади.* У. Умарбеков, Ширинсой оқшомлари. **Губори ёзилади ёки губордан чиқади** хорғинлик ёки чарчоқ йўқолади, киши тетиклашади; баҳри-дили очилади. *Сўхбатда одам ёзилади, дам олади, губордан чиқади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ГУБОРЛАНМОҚ** Губор билан босилмоқ, чанг ёки гард билан қопланмоқ. *У қора нимади, Ёдгор билмади, Губорланган чўлда кетиб боради.* «Ёдгор».

**ГУБОРЛИ** 1 Губори бор, чанг босган, тўзонли. *Қурилиш комбинатининг оппоқ гардга қопланиб ётган чала корпуслари ҳам, қурум пурқаб, биқисиб турган хумдон мўрилари ҳам, ўзининг дим, губорли ҳавоси билан орқада қолди.* А. Мухтор, Чинор. *У уйнинг губорли ва тўзонли ҳавосини англаш учун парталар орасидан сиқилиб бориб деразани очди.* М. Файзий, Уч қиз.

2 кўчма Дилгир, хафа, ғамга тўлган. *Губорли юрак.*

**ГУБОРСИЗ** 1 Губори, чанги йўқ, гардсиз; тоза, мусаффо. *Губорсиз осмон.* — *Кўёи губорсиз кўкда талтайиб порлар эди.* Ойбек, О. в. шабадларин. *Жувон ҳам узун қора киприкларини пирпиратиб, чинни сингари губорсиз юзидан нур ёғилаётгандай, кулимсираб қаради.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 кўчма Кўнглида кири йўқ, очик кўнглили, беғубор.

**ГУВ** тақл. с. Шамол ёки ундан ҳосил бўладиган овоз ҳақида. *Эшик очилиши билан уйга гув этиб шамол урилди.* *Кўнғиз гув этиб учиб кетди.* — [Аҳмаджон] *битта тақсимчани кўтарган эди, пашиалар уни талағудай гув кўтарилди.* С. Қароматов, Ҳижрой.

**ГУВВОС** Қий-чув, шовқин-сурон аралаш содир бўладиган; чуввос. *Арининг инига чўп суққандай гуввос тўполон ичида ҳеч ким-ҳеч кимни танимас эди.* Ф. Ғулум, Шум бола.

**ГУВУЛЛАМОҚ** 1 Тўхтовсиз «ғув-ғув» овоз чиқармоқ (шамол ва ундан чиқадиган овоз ҳақида). *Ташқарида кутурган шамол гувуллаб дарчани итарар, унинг тирққишларидан қор учқунларини иргитарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Юксак тоғдан шўнғиган изғирин сайхон ерларнинг қуруқ қорини учиради, алоқа йўллари, оқопларга тўплайди.* *Гувуллаб аллақайларга ўтиб кетади.* Шухрат, Шинелли йиллар. 1 *Гирилламоқ, ғизилламоқ (транспорт воситаларининг тез юриши ва бундан чиқадиган овоз ҳақида).* *Бир оздан*

кейин *автомобил* *ғувуллаганича* қайтиб келди. А. Қаххор, Кўшчинор. *Ғувуллаб* *ўтдилар* Ленин шаҳрининг Метро вагонлари, солиб ҳаяжон! Т. Тўла.

2 Ғўнғилламоқ (ари, кўнғиз кабиларнинг учиши ва бундан чиққан овоз ҳақида). *Бирдан қовоғаришлар ғувуллаб қолишди.* ■ *Томошабинлар уни бузилган аридек ғувуллаб қолишди.* С. Абдуқаххор, Санамай саккиз дема.

3 Шов-шув ёки ғовур кўтармоқ. *Ҳоким ғувуллаётган халққа қараб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Боши** (ёки калласи) *ғувуллаб* чарчаш, толиқиш ва ш. к.дан бош ичда оғриқ аралаш «ғув-ғув» этган шовқин сезади. *Кун бўйи сув ичаман, томоғим қақраб, бошим ғувуллабди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Қулоғи ғувуллабди айн. қулоғи шанғиллади қ. шанғилламоқ.*

**ҒУВУЛЛАТМОҚ** *ғувулламоқ* *фл.* орт. н. Қоронғи қулбада, бир парча ёски пўстак устида чархини *ғувуллаб* ўтирган бу муштипар, ранепар хотиннинг . . . калби меҳру муҳаббат билан тепар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒУВУЛЛАШМОҚ** *ғувулламоқ* *фл.* бирг. н. Бойловли бандига омон берманлар, *Ғувуллашиб* ҳар тарафдан қўйинлар, *Кўп ғажир бўй* бир ўртага олинлар. «Ширин билан Шакар».

**ҒУВУР** *айн. ғовур.* Мингбоши одамлар *ғувурининг* тинчишини, *ғузарга жимлик* чўкишини кутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уй ичи жонланиб, енгил ғувур бошланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҒУВУРЛАМОҚ** *айн. ғувулламоқ.* Катта шаҳар *ғувурлайди* — ҳар ён сурон. Ойбек, Зафар ва Заҳро.

**ҒУВУР-ҒУВУР** *ғувур* с. такр. *Усти тим* билан қопланган бу қоронғи растада, одатда бошқа расталарда бўладиган шовқин-сурон, *ғувур-ғувур*, шошқалоқ оломон, тикилинч йўқ. Ойбек, Қутлуг қон.

**ҒУВ-ҒУВ** *1 ғув* с. такр. *У[Салтанат] дугининг ғув-ғувидан қулоғи битиб қолгани учун, эрининг қақирганини эшитмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тегирмон томининг ғув-ғувидан ҳеч нарса эшитилмасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. | *Каптар, мусича, ғуррак каби қушларнинг сайраши* ҳақида. *Қўшни тодан каптарларнинг ғув-ғуви эшитилди.*

2 *айн. ғувур-ғувур.* *Ўз ғув-ғуви билан ғузарни тўлдирган одамлар ғурунги ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒУВ-ҒУВЛАМОҚ** «Ғув-ғув» этган овоз чиқармоқ, *ғувулламоқ.* *Бир хил ғув-ғувлаган овозлар.. миясини алғов-далғов қилган эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҒУВ-ҒУВЛАШМОҚ** *ғув-ғувламоқ* *фл.* бирг. н. *Аллақаерларда ғув-ғувлашган ғурраклар бўлмаса, ғузарни пашиша уса эшитиларли жимлик қамрарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒУДДА** Одам, ҳайвон ёки ўсимлик организмнинг бирор жойида бўртиб чиққан шиш, бўртқиқ, қабарик. Унинг қошлари салгина чиқирилиб, пешанасининг ўртаси *ғудда* бўлди. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар.

**ҒУДДА-ҒУДДА** *Ғуддалар* ёки қаба-риқлар билан қопланган, *ғадир-будур.* *Пўсти ғудда-ғудда бодринг.* ■ *Сигир тилидаги ғудда-ғудда қора нарсаларни кўриб ҳайрон бўлдиқ.* А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ҒУДРАНМОҚ** *Ўзига қарата ёки* *Ўзича гапирмоқ, ғудулламоқ.* *Муқимий бу изоҳларга эътироз билдиргандек, тескари қараб ўтириб ғудранди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.— *Аъло ҳазрат! Сизнинг ҳар бир фармонингизга мутедирман,— деб ғудранди мутавалли.* М. Осим, Элчилар.

**ҒУДРАША** *Ғадир-будур бўлиб кетган, ёрилган. Ғудраша қўл.*

**ҒУДУЛЛАМОҚ** *Бирор нарсадан нозиб бўлиб, бошқалар тушунмайдиган тарзда алланималарни гапирмоқ, ғулдирамоқ, тўнғилламоқ.* *Маҳалла сўфиси нималардир деб ғудуллаб, . . . казушини дўқиллатганча уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қодиров ўзига-ўзи ниманидир айтиб ғудуллади-ю, жаҳли қиқиб, отига қараб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ҒУДУНЛАМОҚ** с. т. *Ғудранмоқ, ғудулламоқ.* *Эрмат отнинг жиливини қўйиб ичидангина ниманидир ғудунлади.* Ойдин, Ямоқчи кўчи.

**ҒУДУР** [а ғадир] | *Сиртқи ёки ташқи томонига турли нарсалар бўртиб чиққан, ғадир-будур.* — [Султоннинг] *ғудур, қўпол қўли жуда оғир экан — елкамини босиб тушди, лекин бўйи келмадим, тикка туравердим,— деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. | *Ғадир-будур нарсаларнинг ҳар бири, ҳар донаси. Қиз ўнғе қўлини столга қўйиб ўтираган эди. Бу қўлининг ҳар томири, ҳар ғудури Элчибекиннинг кўнғида ёд.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Дағал, майин эмас (материя ҳақида). *Ғудур сочиқ.*

**ҒУДУР-БУДУР** *айн. ғадир-будур.* **ҒУДУРЛАМОҚ** *айн. ғудулламоқ.* — *Ҳўжақул шошқалоқлик билан киссасини кавлар экан, . . . пулни мен тўлайман! — деб ғудурлади.* О. Ёкубов, Учрашув. *Загчақўз нимадир ғудурлаб қурьон каллимасини такрорлади.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҒУДУРЛАШМОҚ** *ғудулламоқ* *фл.* бирг. н. [Элмурод] *дераза олдидан дупурлашиб ўтган қадамлар ва ғудурлашган товушларни эшитиб, кўзларини катта очди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Ҳозиргина суюнчлари ичларига сигмай ғудурлашган одамлар бирдан жимишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҒУЖ** *Бир жойга йиғилган, тўпланиб қолган; тўп-тўп, зич. Ғуж узум. Ғуж юлдузлар. Ғуж қилмоқ.* ■ *Биринчи*

*сентябрь, тонгестар чоғи Ҳавода ғуж каптар қилади парвоз.* Ф. Ғулом. | *Қоп оғзини ҳалиги арилар ғужиса тўғрилади-да, пастдан туриб шохни зарб билан эғиб юборди.* Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ҒУЖАНАК** *1* *Тўпланиб зич бўлган, ғуж. Уриқларда сара бодроқдай Оплоқ-оплоқ ғужанак гуллар.* С. Акбарий.

2 *Оёқ-қўлларни йиғиб ёки букиб ғуж ҳолатга келган; ғужжак.* *Бектемир ғужанак бўлиб, яна чуқурга қирсилди.* Ойбек, Қуёш қораймаса. [Нора] *скамейкаларни бирлаштирди-да, рюкзасини бошига қўйиб, ғужанак бўлиб уйқуга кетди.* М. Худойқулов, Оханграбо ахтариб. [Отабек] *ўзини нечоғлик сиқиб ғужанак қилган бўлса ҳам, аммо бир қараш билан замбил остида киши борлигини билиши қийин эмас эди.* А. Қодирий, Ҳтган қушлар.

3 *Тоғ этақларида, даштда майда поялари ғуж бўлиб ўсадиган бир хил буга. Катта-катта дарахтарни илдизи билан қўпориб, учириб юрган бўрон учун биргина ғужанак нима экан?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҒУЖЖА** *Кўп миқдордаги нарсалар уюми; тўда, тўп, ғуж. Юлдуз ғужжжалари.*

**ҒУЖЖАК** с. т. *Ғужанак. Мушук ғужжжак бўлиб ётибди.*

**ҒУЖЛАМОҚ** *айн. ғужурламоқ.* *Киргина бурнига каттагина булоқи таққан кенжа қизча нималарнидир ғужиллаб қўғирчоқ ўйнади.* Ойбек, Нур қидириб.

**ҒУЖЛАМОҚ** *Бир жойга тўпламоқ, ғуж қилмоқ. Қўйларни бир бурчаққа ғужламоқ.*

**ҒУЖЛАНМОҚ** *ғужламоқ* *фл.* ўзл. н. *Бек дурбинда дўнғликларнинг нарироғида ғужланаётган немислар ғурузини кўрди.* И. Раҳим, Манғулик қўшини.

**ҒУЖМАЙШМОҚ** *ғужмаймоқ* *фл.* бирг. н. *Шаҳар турли томонлардан келган хилма-хил одамлар билан тўлаган эди. Уларнинг аксариси камбағал-қашшоқлар бўлиб, кўчаларда тентираб юришар, дўкон айвонларида тўп-тўп бўлиб, ғужмайишиб ўтиришар, чўзилишиб ётишар эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ҒУЖМАЙМОҚ** с. т. *Ғужанак бўлмоқ, бужмаймоқ. Мушук ғужмайиб ғужламоқда.*

**ҒУЖМАК** с. т. *Ғужанак.* **ҒУЖУЛЛАМОҚ** *айн. ғужурламоқ.* **ҒУЖУМ** *1* *Ўзум донаси. Унинг сўзига қараганда, узумнинг ҳар боши дўрвадек ва ғужумлари тутининг дона-сидек зич бўлиши керак.* А. Қаххор, Икки ёрти бир бутун.

2 *Ғуж бўлиб турган, ғуж, тўп. Шамол табиатнинг осойишталигини бузиб, ўрик шохларини бир-бирига уриб, ғужум гулни юла осмонга кўтарди.* С. Азимов, Оплоқ тонг қўшини.

**ҒУЖУМЛАМОҚ** *Ўзум бошидан битта-битта узиб ёмоқ, доналаб ёмоқ.*

Узумни ғужумламоқ. — Дилдор дала шийпонида бир бош хусайни узумни олдига қўйиб, эринибегина ғужумлаб еб ўтирарди. С. Ахмад, Уфқ.

**ҒУЖУМ-ҒУЖУМ** ғужум с. тақр. Ҷурик ва олчалар ғужум-ғужум бўлиб гулдади.

**ҒУЖУРЛАМОҚ** 1 Бетиним сайрамоқ, ғужур-ғужур қилмоқ (қушлар ҳақида). Қушлар баҳорни олқишлаб ғужурлайди, шохдан-шоха учиб қўнайди. Н. Фозилов, Оқим.

2 Бошқалар тушунмайдиган тилда гапирмоқ. У шеригига бир нима деб ғужурлади. — Фарҳоднинг ингелизча гапирмаслигини билган Хамбер бугун уйда кайфи борлигиданми, хотини ҳузурда миллий ғурури жўйганиданми, она тилида ғужурлаб кетди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ҒУЖУРЛАШМОҚ** ғужурламоқ фл. бирг. н.— Бу билан бир ғужурлашиб кўринг-чи! Қил экан, қаердан келибди бу? — деди Тожибой. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҒУЖУР-ҒУЖУР** тақл. с. 1 Майда қушларнинг бетиним сайраши ҳақида. Қушларнинг ғужур-ғужури.

2 Тўтовсиз ва тушуниб бўлмайдиган гап ҳақида. Ғужур-ғужур гап-айтимоқ.

**ҒУЖҒОН:** ғужғон ўйнамоқ ғуж ёки тўп бўлиб тартибсиз ҳаракат қилмоқ, тўп ёки тўда бўлиб югуришмоқ, учишмоқ ва ш. к. Ғарқ пишган балх тут тағида болалар ғужғон ўйнашади. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

**ҒУЖ-ҒУЖ** ғуж с. тақр. Ғуж-ғуж кўсак. Ғуж-ғуж юлдуз. Ғуж-ғуж бўлиб ўтирмоқ. Ғуж-ғуж гулламоқ. — Ғуж-ғуж оппоқ тутлар шохларда маржондек тизилишиб турибди. П. Турсун, Уқитувчи. Заминдорнинг ерларида ғуж-ғуж хурмо, Олтинланган бананларга қарар Захро. Ойбек.

**ҒУЛ** [a] тар. Айбдорнинг бўйин, оёқларига кийгизиб қўйиладиган жазолаш асбоби; кишан. Зиндонда бўйинларига, оёқларига ғул ва занжир боғланиб... [деҳқонлар] қақшаб ётар эдилар. Айний, Дохунда.

**ҒУЛДИРАМОҚ** Эшитилар-эшитилмас қилиб ноаниқ гапирмоқ, ўзича алланималар демоқ, ғудулламоқ, ғудранмоқ. Қудрат ҳалқумига бир нима тиқилгандай ғулдираб, синелисининг қўлини итариб ташлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Зайнаб ўзининг хатосини англади ва гапиролмай ғулдиради. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳамидхўжа ғулдираб ўрнидан турмоқчи бўлди. С. Ахмад, Порахўрнинг ўлими.

**ҒУЛДУР-ҒУЛДУР:** ғулдур-ғулдур қилмоқ айн. ғулдирамоқ.

**ҒУЛОМ** [a] эск. кт. 1 Саройда хизмат қилувчи ёш йигит, хизматкор. Тагин қасри тўла ғулом, канизак. Миртемир.

2 айн. қул. Тоғ томондан ҳайдаб келинган ғуломлар шу қайрағоч тағидаги саройга қамалган, шу ерда

сотилган, кейин бу жой Ғурумсарой бўлиб кетган дейилади. Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

3 Ғулом (эркаш исми). **ҒУЛОМҒАРАҚ** [a+ф-т] эск. Ичкаридан ташқарини ажратиб турувчи тўсиқ.— Биз бойниқида қўнадиган бўлдик. Оғилхонага кирадиган йўлак ёнидаги ғуломгардишдан ётишга жой кўрсатди.— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҒУЛТ-ҒУЛТ** айн. қулт-қулт. Овқат унинг томоғидан қувурдан ўтаётган суюқ ғулт-ғулт қилиб ўтарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ҒУЛУ** [a] 1 Бирор келишимовчилик ёки бошқа сабаб туфайли келиб чиқадиган ғалва, жанжал, ғулгула. Шундай кунлар келдики, подшонинг уруши учун тутун пули ҳам, дон ҳам, мой ҳам қор қилмай қолди. Энди подшо мардикор сўради. Шунда ҳамма ерда ғулу чиқди. П. Турсун, Уқитувчи. Қапанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шахардан саллот чақираман» деб босибди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Ғам, ташвиш. Кечалари мизғимас меъмор, Муҳандисда ўзгача ғулу. М. Али. Ғулу солмоқ 1) норозилик уйғотмоқ, тўполон, жанжал чиқармоқ. Афсуски динсизни шу ерда йўқ қила олмадик, энди бориб, қўйимизни боқаетган муридларимиз орасида ғулу солади, охириги насибамизни ҳам қоқиб олади. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар; 2) бировнинг юрагига ташвиш солмоқ; ғам-ташвишга қўймоқ. [Умиднинг] юрагига алланима ғулу солиб ўтди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**ҒУЛҒУЛА** [ф-т] Ғулу, ғалва; ташвиш. Вали ўз уйи томон йўл олди. Қадим сайин юрак ғулғулласи кучаярди. Ҳ. Назир, Онанзор. Кўнғлимда аллақандай ғулғула пайдо бўлди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Юрагига ғулғула тушиб қолган Майна негадир бир ютиниб олди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. — Шундай ғулғула, саросима замонда ҳамма муттасил ўз оила ташвиши билан банд бўлганда ярим тилла сўрамоқ абасдур,— деди маддоҳ йиғилган халойиққа. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ҒУЛҒУЛАЛИ** Ташвишли, нотинч, безовта. Нафисанинг қалби ғулғулали, ақли паршион бўлиб юрган кунлардан бири кечаси баракда бирга ётадиган дугонаси Садбар бичқинига туртибди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ҒУЛҒУЛАСИЗ** Ташвишсиз, тинч. Улар [ўллар] осмони кенг, холи, ғулғуласиз сокин ҳаётни хуш кўрардилар. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

**ҒУМАЙ** Қиёқ баргли, илдивидан тез кўнайдиган кўп йиллик ёввойи ўт. Қўкорол пахтазори ғумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўлаёзди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҒУМБАК** Баъзи ҳашаротларнинг қуртдан тўла шаклланган формасига (масалан, капалакка ёки пашшага)

айланиш даври ва ҳашаротнинг шу даврдаги ҳолати. Пашша ва унинг ғумбакларига жуда тез таъсир этадиган кимёвий моддалар.. ишлаб чиқарилади. В. С. Тожиева, Қанотли қонхўрлар.

**ҒУНАЖИН** [мўр] Икки ёшдан ошган урғочи бузоқ. Мулла Обиднинг тана боқиб ғунажин қилиши, ғунажинни қочириб сигирга айлантириши усули колхозга икки ёқлама фойда етказди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҒУНДА** с. т. Пакана ва семиз (одам ҳақида). Пакана, ғунда, вужуди ажалдан дарак бериб турган жаллод келиб унинг елкасидан қаттиқ тортганда... Аҳмад полвон, оёқлари чалишиб, чалқанча йиқилди. А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

**ҒУНЧА** [ф-т] 1 Ҳали очилмаган, гулбарглари ҳали ёзилмаган гул. Кёчкурун [булбул] ғул ғунчасини кўради-ю, ишиқда ошиғу шайдо бўлиб сайрай беради. П. Турсун, Уқитувчи. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу Ғунажининг ғунчаларини ёзмоқда. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. Ғунча очилуна ўтган фурсатни Қапалак умрига қиёс этгулик. Ғ. Ғулом. Ғунча лаб эндигина очилаётган ғунчага ўхшаган лаб. Қалбимга оташ солган, Ғунча лаб ширин сўзинг. М. Жабборов.

2 кўчма Бирор ҳодисанинг эндигина бошланаётган пайти, бошланиши. Шубҳа ичида қизарган муҳаббат ғунчаси висол хабари билан очилаёзгандек.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҒУНЧАЛАМОҚ** Ғунча пайдо қилмоқ, ғунча чиқармоқ. Ажойиб боғ. Тартиб билан ўтқазилган мева дарахтлари гулларга бурканган. Токлар барг езан, гуллар ғунчалаб ётибди. Р. Сайфиева, Ишчилар хизматида.

**ҒУНЧАЧИ** тар. Подшо ёки хонга гўзал қизларни танлаб, ҳарамга келтириб берувчи аёл. Сўз.. баъзи ғунчачилар билан беғимларнинг орасида бўлган можаролар . . устида борар эди. Ойбек, Навоий.

**ҒУППА** диал. Кубба.

**ҒУППАК** Шох-шабаси зич, ғуж бўлиб ёки тўп бўлиб ўсадиган; ғуж. Ғуппак садалар. — Тоғ кўксидеги ғуппак арчалар эса қорайиб, ўзини сипоҳ тутаётгандай, тоғлар, тепалар бағридаги киши ҳали очмаган сирни сақлаб тургандай. Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**ҒУППАК-ҒУППАК** ғуппак с. тақр. Ғуппак-ғуппак бўлиб ўсган арчалар.

**ҒУРБАТ** [a] 1 Ғам-ғусса, хафалик, қулфат. Ғурбат чекмоқ. — Ҳаётга менсимай илжайиши Қишини етаклаб ғурбатга, бир йўлси гангратиб қўймасми? Ғ. Ғулом. Аллақайси бир дошииманд: «Ғурбат қанчалик кучли бўлмасин вақт уни енгади, вақти келганда ҳар қанақа ғам-ғусса ҳам эсидан чиқади кишининг»,— деган экан. О. Еқубов, Тилла узук.

2 Ватандан узоқда яшаш, мусофир-

лик, ғариблик. *Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.* Навоий. *Муфти ўз «муридлари» орқали уларнинг гурбатда кечириб юрган ғамгин турмушларини қузатар ва ўз домига илиштириш фикрида эди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 с. т. *Кўчма Ҳар нарсадан доим ишқал чиқариб юрадиган, бирор ишни уddaлай олмайдиган, лапашанг. Унинг турган-битгани гурбат-ку. — Э, омон бўл! — деди Қаришбой ота, ошнасининг ёллиги наша қилиб. Ўзинг эски гурбатсан-да.* Х. Назир, Сув галдоси.

**ГҲРБАТСАРО** *поэт. айн. гурбатхона.* — *Мен чиндан жаҳонгашта, дарбадар, ғарибу бенаводай шу гурбатсарода ширсиб юрибман, — деди Ҳайдархўжа Мирзага.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ГҲРБАТХОНА** [a+ф-т] *Ғам-ғусса кўп бўладиган жой. Нима қилиб бу гурбатхонага келиб қолдиларинг?* Н. Сафаров, Уйғониш. [Ғофир:] *Бу гурбатхонада нотаовон йиғлаанларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким? Гапиринг, шариат пешволари!! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ГҲРИЛЛАМОҚ** 1 Овоз чиқариб сайрамоқ (ғуррак, мусича, каптар каби қушлар ҳақида). *Юқорида қалин баргалар орасига яшириниб ййнашаётган гурраклар жим бўлиб қолди. Бир оздан сўнг улардан биттаси «гу-у», «гу-у» деб гуриллади.* С. Анорбоев, Ҳамсубхатлар. *Гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар гўнғиллар, аллақерда гуррак гуриллар эди.* А. Қаҳҳор, Картина.

**ГҲРИЛЛАМОҚ** 2 с. т. *Шиддат билан эсмоқ, эсиб кирмоқ (совуқ шамол ҳақида). Эшикни ёпинг, шамол гурилляпти.*

**ГҲРИЛЛАШМОҚ** *гурилламоқ фл. бирг. н.*

**ГҲРМУШЛАМОҚ** *Безовта бўлмоқ, тоқатсиз бўлмоқ, тоқатсизланмоқ. Назиржоннинг ҳам юраги гурмушлай бошлади.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. *Совуқ тушганидан юраклари гурмушлаб кетган кишилар аллақачон далага кела бошлашган эдилар.* Я. Саъдуллаева, Она тупроқ.

**ГҲРМУШЛАМОҚ** *гурмушламоқ фл. ўзл. н.* — *Юрагим гурмушланиб, эшик туркишидан қарадим-у, кайфим учиб кетди: ҳовлига умр бўйи супурги тегмагандай, — деди Сакен.* А. Мухиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**ГҲРРА** [a] *Пешана ёки бошда ҳосил бўлган қаттиқ шиш. Пешанамни ҳам гурра қилди-я, эртагача гурра ёзилиб кетса гўрга эди, шу турқу тароват билан одамларга қандай кўринаман.* С. Аҳмад, Хўжм. *Қомиссар озгидан кўпчи келиб .. ётарди. Пешанаси гурра, бироқ қошларининг усти қип-қизил қон эди.* М. Мухамедов, Қаҳрамон

изидан. *Кутлукхўжа .. ёшигида ўз маҳалласидаги болаларга бош бўлиб, уларни кўйини маҳалла болаларига қарши «урушга олиб борар, ҳар вақт бурни қонаб, пешанаси гурра бўлиб қайтарди.* М. Осим, Утпор. | *Дўнғча, гўдир, гудда. Ғалла тош гурраларида янчилик ун бўлади-да, мана шу ариқчалардан сурилиб халпага тушади.* Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ГҲРРАК** *Каптарсимонлар оиласига мансуб мусичага ўхшаш қуш. Гуррак боласи. Гуррак гурилляпти.* — [Жура] *ердан тош олиб гурракка отган эди, тош бақатерак шохига тегиб, гуррак учиб кетди.* Н. Назаров, Замон.

**ГҲРУБ** [a] *эск. кт. Куёшнинг ботиш пайти, кун ботиши. Учалари гуруб алангаси билан олтинланган сарвзорлар орасида шоир ва паҳлавон .. жим бошир эди.* Ойбек, Навоий.

**ГҲРУР** [a] 1 *Инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш хисси; иззат-нафс. Йигитлик гурури. Қизлик гурури. — Унинг инсоний гурури, табиатининг нозиклиги .. ёрдам сўрамоққа йўл қўймаган.* Ойбек, Навоий. *Илк севгимни дилга беркитдим, Гурур шунга хўжм айлади.* Э. Охунова. | *Кўтаринки туйғу, завқ, шавқ. Бу ўйлар Эргашевнинг зехнида мардлик гурурини уйғотди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Чидолмай душманам, фарёд уриб кўксини минг доғлар, Суриг меҳнат гурурин чарчамасдан дўстлар, ўртоқлар.* А. Пўлат.

2 *Инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб фахрланиш хисси; фахр, ифтихор. Букун қурултойнинг минбариди Гурур билан сўзлар пахтакор.* Уйғун. *Гофур ака катта юраги гурурга тўла чин инсон ва оташнафас шоир эди.* Х. Фулом, Партия солдат.

3 *Фахрланишга асос бўладиган нарса, кимса ва ш. к.лар. Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори ва гурури. — Муротали севинч ва гурури бўлган ўрикнинг таниши ва қадрли новдаларига шодёна боқиб, ўридан турди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Хур Ватанда халқимнинг Гурурисан, Фарғонам. Озод Совет Шарқининг Кўз нурисан, Фарғонам. Ё. Мирза.*

4 *Ўзини бошқалардан юқори қўйиш, кибр, ҳаво. Олифта бойвачча кибр ва аҳмоқона гурури ила креслода талтайганича қолди.* Ойбек, Нур қидириб. *Гапинининг тузи қурсин, қизим! Гурур гурбатга солар, деган нақлнинг маъзани чақсанг-чи.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган сохилда.

**ГҲРУРЛАНИШМОҚ** *гурурланмоқ фл. бирг. н.* *Эркаклар Ойимхон боининг тавъирини берганига қойил бўлиб тарқалишиди, хотинлар эса ундан гурурланишиди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ГҲРУРЛАНМОҚ** 1 *Бирор нарсадан мамнун бўлиб фахрланиш, ифтихор қилмоқ. Ўзининг шундай киши билан дўстона муносабатда бўла олангига*

*гурурланди.* М. Файзий, Уч қиз. *Элмурод болаларнинг деворий газетани дам-бадам ёпирилиб ўқийётганини кўриб, кунни бўйи гурурланиб юрди.* П. Турсун, Уқитувчи. — *Чинакам бургутнинг жанни, — деди гурурланиб Нўғобоев, унинг кўзидан ёш чиқиб кетди.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

2 *Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ. Гурурланган шахзода Журжон ҳоқими устига юриш қилиб, қулайгина енгади.* Ойбек, Навоий.

**ГҲРУРЛАНТИРМОҚ** *гурурланмоқ фл. орт. н.* *Мақтов уни гурурлантириб юборди.*

**ГҲРУРЛИ** 1 *Гурурланиш хисси кучли, гурури баланг. Гурурли йигит. — Мана мартен цехининг кўркама қадди ўз қурувчиларидай гурурли.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 *Кеккайган, димоғдор, кибрли, мағрур; такаббур. Аҳмад маҳдум аслда кибрли ва гурурли одам. Айний, Эсдаликлар.*

**ГҲРУРЛИК** 1 *Ўз қадру қимматини билиш, фахр. Ёш аравақанда ўзига келишган гурурлик ва одамийлик сезилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *Ўзига ортиқча бино қўйиш, гердайиш, кеккайиш; мағрурлик. Отам.. гурурлик орқасида кўпчиликни менсимай, колхоз ишига анчагина халақит берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ГҲРУРОНА** [a+ф-т] *рви Гурур билан, мағрурона. Гурурона юрмоқ. || Гурурона гап. — Нима қилсин, муаллимни соғиниб қолишган-да, — деб гурурона жилмайиб қўйди.* Ф. Раул, Тўнғич ўғил.

**ГҲРҲРАК** с. т. *Гуриллаган шамол; елвизак. — Деразаларга ойна солинмаган, борлари синиб тамом бўлди, — жаврай кетди кондуктор хотин ўридан туриб, — сизлар ҳозир тушиб кетасизлар, мен кечгача мана шу гуруракда дийдираб кун ўтказаман.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ГҲРҲРАМОҚ** *фольк. Ўқирғисмон овоз чиқармоқ, ўқирмоқ (туя ҳақида). [Ҳирқўк] туя бўлиб гурурайди, Айиқ бўлиб чирқирайди. «Хушкелди».*

**ГҲСЛ** [a] *Устидан сув қўйиб ювиниш, чўмилиш. Мен подшоҳ гусл қилиб олсин учун хонани занжирлаб қўйдим.* М. Диёрый, Улугбек қаерда ўлдирилди.

**ГҲСЛХОНА** [a+ф-т] *Устидан сув қўйиб ювинадиган, чўмиладиган хона. Иситилган сув сатилларга кўтарилиб, гуслхонадаги сув идишларга бўшатилаверди.* Айний, Қуллар.

**ГҲССА** [a] *Ғам, қайғу; ҳасрат, алам. Сой шалоласи ҳаётнинг ўзидек жўшқин, кучли. У Ойқулнинг ғўстасини ютиб, бир текис шўх-шўх шарилларди.* С. Анорбоев, Оқсой. — *Турмушининг бунақа иқир-чиқирларини ўйлаш билан одамни ғўсса босиб кетади, — деди Манноп Нодирга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ҒУССАЛИ** Ғам-ғуссага ботган; юрагиди ҳасрати бор. *Ғуссали жонни Ниҳон мақома қил пояндоз Арзи ҳолингни бугун сўрали султон келадур.* Ҳамза. Одобли, маданиятли ҳар бир киши ўзининг хўшмуомаласи билан ғуссали кишининг дилини чоғ қила олади. Н. Валиева, Тиг яраси битар-у...

**ҒУССАСИЗ** Ғам-ғуссаси йўқ, ғамсиз, ташвишсиз. *Ғуссасиз юрак.*

**ҒУСУЛ** айн. ғусл.

**ҒУСҒУСЛАМОҚ** Қопишга, уришишга ундамоқ, гижгижламоқ, олқишламоқ. *Итларни ғусғуслаб уриштирмоқ.*

**ҒУЧ** айн. ғуж. Узоқдан кичик-кичик, ғуч, дарёга яқин кўринган бу капалар катта-катта бостирма бўлиб, бири-бирдан хийла узоқ ва дарёдан анча берида экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ҒУЧ-ҒУЧ** ғуч с. тақр. Қўм-қўк барелар орасида тизилиб, ғуч-ғуч бўлиб оғтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб жушоннинг ҳам оғзи сув очди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ҒҮДАЙМОҚ** с. т. 1 Эгилмай, тик бўлиб турмоқ, қаққаймоқ. *Шудгор ўртасида битта симёғоч ғўдайиб турибди.*

2 *кўчма* Гаплашмай, иш ёки суҳбатга аралашмай турмоқ; серраймоқ. *Аъзам [Нафисанин] саломига ҳам алик олмасдан, «гапинг бўлса гапидавер, иккала қулгим сенда», дегандек ғўдайиб турди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

3 *кўчма* Ўзини бошқалардан катта олмоқ, кибрли кеккаймоқ. *Ҳоди болалигида ҳам сал ғўдайганроқ эди.* Шунинг учун ўртоқларини уни Ҳодивой отига мослаб «*Ходивой*» деб аташарди. С. Аҳмад, Ҳодивой. Ҳафиза эркак кишининг аввал қўл узатиши ноҳўя эканини билса ҳам ва келиб-келиб шу одамдан маданият талаб этаманми, ахир у хоодадек ғўдайиб ўсган-қу,— деди-да, қўл узатди. Мирмуҳсин, Умид.

**ҒҮДАЙТИРМОҚ** ғўдаймоқ фл. орт. н.

**ҒҮДИЛЛАМОҚ** айн. ғудулламоқ. Шундан сўнг, ғўдиллаб сўкинган маҳрам белидаги узун тумшукли тўп-пончасини тўғрилаб қўйди-да, тўда ичидан ўнг қанотга чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ҒҮДИР** айн. ғудур. [Усмон аканин] қулма юз, сарғиш қошлари сийрак, япалоқ гўштор бурни ғўдир юзига ёпишиб кетган. У. Умарбеков, Севгим, севгилим. Унинг [чинорнинг] ўн тўққиз қулочлик ғўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг маневулсини тасбиқлаб туради. А. Мухтор, Чинор.

**ҒҮДРАНМОҚ** айн. ғудранмоқ. Жуманқул ота бошқа сўз айтмади. Ғўдрана-ғўдрана оғилхонага тушиб, оқ эсагини етаклаб чиқди. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**ҒҮЗА** [ф-т] 1 Чигитдан униб чиқиб пахта ҳосили берадиган, гулхайрилар

оиласига мансуб, бир йиллик маданий ўсимлик, пахта ўсимлиги. *Ғўза чопиғи. Ғўзага сув тарамоқ. Ғўзани парварииш қилмоқ.* — Бир донга чигитдан ўттиз-қирқ кўсақли ғўза униб чиқади. Туйғун, Бригадир. Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган ғўза ораларига ётилган хотин-қизлар гулга қўнган асаларидек ғайрат билан ишламоқда. Айний, Куллар.

2 эск. айн. кўсак. Онам сандалда ўтириб ғўза чувиб, мен китоб ўқир эдим. М. Исмовилий, Фарғона т. о. Сандалнинг бир чеккасида ғўза чувиб ўлтирувчи бир кекса кўр киши қўлидаги ғўзапўчоқ ва суғурган пахтаси билан бошини баланд кўтариб, ҳовлидаги сўзга қулоқ солиб туради. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 с. т. Шу ўсимлик ҳосили, пахта. Бу йилги терган ғўза Бултургилардан тоза. Планлар юзга етса, Дунё тўла овоза. «Кўшиқлар».

◆ **Кампирнинг дарди ғўзада** ҳар ким ўз ташвиши, ўз истағи, мақсади ҳақида ўйлайди ёки қайғуради, деган маънода ишлатиладиган матал. Кампирнинг дарди ғўзада, деганларидай бой амаким ҳам амирнинг келишини истайдилар. Айний, Дохунда.

**ҒҮЗАПОЯ** [ф-т] Ҳосили териб олинган ғўза ўсимлигининг пояси. *Ғўзапоя юладиган машина. Далаларни ғўзапоядан тозлаш.*

**ҒҮЗАПҮЧОҚ** Пахтаси суғуриб олинган бўш кўсак, қовоқоқ. *Ғози ғўзапўчоқ уюмидан ошиб тушиб, Умаралининг олдида келди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

◆ **Ғўзапўчоқ рўмол** ғўза пўчоғи шаклида қаварик нақш солиб тўқилган ипак рўмол. У [Эргаш] ариқда наридан-бери қўлларини ювди-да, .. тоқчага тахлаб қўйган ғўзапўчоқ рўмолини олиб чиқди. А. Мухтор, Опасингиллар.

**ҒҮЗАФҮРУШ** [ф-т] тар. Пахтани олиб сотувчи савдогар, пахтафуруш. *Туроббойнинг отаси Зиямат ака ғўзафуруш эди.* Ф. Ғулум, Шум бола.

**ҒҮЗАЧАНОҚ** Кўсақни ташкил этувчи палла ёки чаноқларнинг ҳар бири. **Ғўзачанок қилмоқ** бирор нарсани ғўза чаноғига ўхшатиб кесмоқ, бўлмоқ. *Дастурхонда эндигина ғўзачанок қилиб сўйиб қўйилган анор доналари ҳақиқдай ятирайди.* И. Шамшаров, Довруғ.

**ҒҮЛ** [ф-т] тар. ҳарб. Қўшиннинг марказий, асосий қисми. *Хусайн Бойқаро.. қўшиннинг қалбида — ғўлда, саркардалар, баҳодир йигитлар билан қуришган ҳолда борар эди.* Ойбек, Навоий.

**ҒҮЛА** [ф-т] 1 Ходадан кесиб олинган бўлак.— *Иккита сада ҳам сотиб олиб, чарх бўладиган.. ғўла кесиб тайёрлаб қўйдим..— деди [отам].* Айний, Эсдаликлар. Абдуғаюб, гулзор орқасидаги хонадан бир неча арраланган ғўлаларни кўтариб чиқди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Умуман ғўлага ўхшаш, калта, йўғон нарсаси. *Унинг даллол қариндоши саватдай салласини олиб қўйиб,.. қўнжи бир қарич, қурушқоқ маҳсили, қўпол ғўла оёқларини узатди.* Ойбек, О. в. шабадалар. Юқоридан маънит подъямниклари чўян ғўлаларини олиб келиб, печга ташлади. Мирмуҳсин, Чиниқшиш. **Ғўладан келган йўғон, ғўлабур.** Бир нафас ўтмай, кабинетга ғўладан келган, мўйловдор, қувноқ бир одам кириб келди. Мирмуҳсин, Заңгалаган қилич.

◆ **Кўз ғўласи с. т.** кўз соққаси. *Ғўласи чиқай-чиқай деб турган катта кўзлари кимга, нимасга тикилаётганининг тайини йўқ.* А. Муҳиддин, Қадах.

**ҒҮЛАБУР I** [ф-т] Тўладан келган, чорпахил, бақувват (одам ҳақида). *Иккинчиси ёшироқ, ғўлабур, миқтидан келган, серҳаракат, кўзлари ўткир одам.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Хона ўртасида бўйни калта ва йўғон, қошлари туташ ва қоп-қора ғўлабур бир йигит девдек қотиб туради.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ҒҮЛАБУР II** [ф-т]: ғўлабур арра икки томонидан икки киши тортиб ишлатадиган йирик тишли катта арра.

**ҒҮЛАЙМОҚ** айн. олаймоқ *Бозорбойнинг ранги бир оз ўчиб, кўзлари ғўлайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҒҮЛАК** [ф-т] 1 Найчадан пуфлаб отиш учун лойдан ясалган кичкина соққа. *Қолган икки йигитни ҳам Султоннинг нуҳсаси деса бўлади.* Фақат биттасининг бир кўзида ғўлакдек оқи бор. Ф. Ғулум, Шум бола.

2 Учига темир соққа бойланган таёқ, чўқмор. [Босмачилар] милтиқлардан бошқа, қадимги камон, ғўлак билан қуролланган.. эди. Айний, Дохунда.

◆ **Кўз ғўлағи с. т.** кўз соққаси. *Қўса маддоҳ худди пайғамбарларга ўхшаган кўзининг ғўлағини оқартириб кўкка қараб қўл очди.* Ф. Ғулум, Шум бола.

**ҒҮЛДИЛЛАМОҚ** с. т. Ғўлдирамоқ. **ҒҮЛДИРАМОҚ** айн. ғулдирамоқ.— *Ўтган гапга салават, ука,— деди полвон, худди хумга тушган аридай ғўлдираб.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. [Қулмуҳаммад] баъзида ғўлдираб босинқираб, уйғониб кетиб тангрига ёлвориб, нажот тиларди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ҒҮЛДИРЛАМОҚ** айн. ғудулламоқ. **ҒҮЛДИР-ҒҮЛДИР:** ғўлдир-ғўлдир қилмоқ айн. ғўлдирамоқ.

**ҒҮНГ** тақл. с. Кўнғиз, қовоғари каби ҳашаротлар товуши ҳақида. *Катта қора кўнғиз ғўнг этиб учиб кетди.*

**ҒҮНГ-ҒҮНГ** ғўнг с. тақр..

**ҒҮНОН** Икки яшар 'айғир ёки қўчқор. *Ғўнона эгар урмоқ. Ғўнони суғормоқ.* || *Кўкраги кенг яйловлар, гўзал жойлар, Чопқиллашиб ўйнайди ғўнон тойлар.* Ҳабибий. *Қудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма*



нарсаларни ҳам ҳозирлатган, улар келиб тушиди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир ғўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒҮНҒИЛЛАМОҚ I** «Ғўнг-ғўнг» товуш чиқармоқ (қўнғиз, қовоғарилар ҳақида). Қовоғари секин ғўнғиллаб учиб ўтди. П. Қодиров, Эрк. Қоронғилик ичидан кеча қўнғизи ғўнғиллаб учиб, ўзини широкча урди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ, пўнғилламоқ, дўнғилламоқ; ғўлдирамоқ. Паллон худди ўлаётган кучукка ачиниб гапиргандай, ўзича ғўнғиллар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Аҳмад Хусайнни мудроқ босганда, тақводор ота ғўнғиллаб қурбон ўқишга киришди. Ойбек, Нур қидириб.

**ҒҮНҒИЛЛАШМОҚ** ғўнғилламоқ фл. бирг. н.

**ҒҮНҒИРЛАМОҚ** айн. ғўнғилламоқ. **ҒҮНҒИРЛАШМОҚ** ғўнғирламоқ фл. бирг. н. Элмурод хатни конвертга солиб устига Ғани Мардоновнинг адресини ёзган, ўрнидан энди турай деганда, залда иккитаси ғўнғирлашиб эшик олдига келишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҒҮНҒИР-ҒҮНҒИР** тақл. с. Эшитилар-эшитилмас қилиб ёки биров тушунмайдиган қилиб сўзлашиш ҳақида. Деразаларни қиров бойлаганидан қоронғи бўлиб қолган хонада тўртта чол ғўнғир-ғўнғир гапашмоқда эдилар. С. Аҳмад, Уфқ. Холдорнинг ғўнғир-ғўнғир ёлворшини эшитилар эди. А. Мухтор, Туғилш. || Кумушининг уйдан кети узилмай келиб турган хотинларнинг ғўнғир-ғўнғири ҳам унинг [Отабекнинг] уйқусига ҳалал берар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҒҮР** [ф-т] I Пишиб етилмаган, хом (хўл мева, қовун-тарвуз ва ш. к.лар ҳақида). Ғўр узум. Ғўр олма. — Йўк, [қовун] ғўрроқ чиқди, ўзингизникини сўйинг,— деди Қомила, чиндан ранжиб. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Қиёмига етказилмаган, пишқи ишланмаган, хом. Ғўр асар. Ғўр шеър.

3 кўчма Ҳаёт тажрибаси кам, турмуш қийинчиликларини кўрмаган, бўз. Ғўр бола.— Ҳеч нарсадан беҳабар, ғўр ўғиллари бўлса: «Шўрвадан иссиқ-иссиқ ичинг, зора босилса», деб қистай бошлашди. С. Анорбоев, Оқсой. Мутахассисларимизнинг ҳам аксарияти кам тажриба, ўқишни яқинда битирган ғўр ёшлар эди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ҒҮРА** [ф-т] I Уриқнинг пишиб етилмаган меваси, довучча. Баҳор эди. Уриқлар гулини тўккан, ғўралар қинидан чиқиб, эса оғиз маза топадиган бўлиб қолган. Ойдин, Садаган бўлай, командир. Тошхўжа қаёққа кетаётганини ҳам унутди шекилли, шўхлиги тугиб, шоҳлари девордан ошиб ётган

ўриқдан бир ҳовуч ғўра сидириб, оғзига солди. А. Мухтор, Чинор. Сувонжон оғзидаги ғўрани у лунжидан бу лунжига ўтказаркан, ҳайрон қолди. Ёнғоқда ўрик битмайди-ку? С. Анорбоев, Оқсой.

2 Умуман пишиб етилмаган мева, ғўр мева. Олча ғўраси. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар. Мақол. — Ток гуллаб бўлганидан кейин гуллар ғўрага айланганда ўтказиладиган иккинчи хомтоқни эса ғўра хомтоқ дейилади. М. Собиров, Хомтоқ.

3 кўчма Ҳаёт тажрибаси кам, турмуш қийинчиликларини кўрмаган, бўз, ғўр. Қутулиш тадбирини излаб турганда, ғўра қиз янги таъна, янги ўпка билан йегит юрагини тирнарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Нурмат ҳали пишмаган — ғўра, Етгани йўқ ҳали тобига, Пайти келиб, кураш, қўзғолон — Уни тортар ўз гирдобига! Д. Файзий.

**ҒҮРАЛАМОҚ** Ғўра ҳосил қилмоқ, мева тугмоқ. Богдаги тоқлар зангидан барегача шовил-шовил шўралапти, ўриқлар-чи, шохи тўла ғўралапти. Камбағалнинг кунни туғилпти. Ё. Шукуров, Уч савол.

**ҒҮРАЛИК** ғўра с. белги оти. Мен уни [ўрикни] пишганича қўймай, ғўралигидаёқ тамомлайман. Ш. Сулаймон, Ота, ўғли.

**ҒҮРАША** Яхши ишлов берилмаган, майин ҳолга келмаган, дағал (тупроқ, лой ҳақида). Ғўраша лой. — Чигитни кўшида қизитиб эхкас, тупроқ ғўраша бўлмаса бас,— деди сўзини маъқуллашиб Хадичахон. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. Ерларимиз кечагина ғўмай, тикан, янтоқ босиб ётган қақир, ғўраша ерлар эди. М. Исмоилий, Икки қиз ҳикояси.

**ҒҮРИЛЛАМОҚ** айн. дўрилламоқ. Норматовнинг қисташи билан Али тириш дўторни олиб реза қуйларга тушиди ва ўзининг ғўриллаган ёқимсиз тоёуши билан пойма-пой яллаларни бир қатордан айтиб чиқди. Ғайратий, Менинг ёшлигим.

**ҒҮРЛИК** ғўр с. белги оти. Меванинг ғўрлиги. — Шу билан Саудийнинг ғўрлиги натижасида туғилган хавф босилди. А. Қахҳор, Сароб.— Кечиринг, мендан кўп ғўрлик ўтди,— деди Нафиса. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**ҒҮР-ШҮР** Пишмаган, хом, ғўр мевалар. Ғўр-шўрни кўп ема. || Ғўр-шўр меваларни шамол тўкиб юборди.

**ҒҮРҚИЛЛАМОҚ** «Ғўрқ-ғўрқ» этган товуш чиқармоқ; ғўлқилламоқ, қўлқулламоқ.

**ҒҮРҚ-ҒҮРҚ** тақл. с. Ёпиқ идишдаги сувнинг чайқалишидан чиққан товуш ҳақида.

**ҒҮТИЛЛАМОҚ** «Ғўт-ғўт» товуш чиқармоқ.

**ҒҮТИЛЛАТМОҚ** ғўтилламоқ фл. орт. н.— Маданият уйи асбоблар сотиб олгани пул берди. Хозирроқ, ба-рабан, зил, карнай сотиб олдик. Болалар ғўтиллаштиб юришибди,— деди

Собиржон. Ш. Саъдулла, Икки билакузук.

**ҒҮТ-ҒҮТ** айн. ғат-ғат.

**ҒҮҚИЛЛАМОҚ** «Ғўқ-ғўқ» этган товуш чиқармоқ (чўчка, тўнғизлар ҳақида). Ғўқиллаб тумишғи билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчка [Боқоевнинг] кўз олдига келди. А. Қахҳор, Адабиёт муаллими.

**ҒҮҚИЛЛАТМОҚ** ғўқилламоқ фл. орт. н.

**ҒҮҚ-ҒҮҚ** Чўчка, тўнғизлар товуши ҳақида.

## X

**X** Ўзбек алфавитининг ўттиз бешинчи харфи; қ, ҳа I, ҳе I.

**XA I** «X» харфининг номи.

**XA II** юкл. I Жавобда бирор фикрни тасдиқлаш, розиликни ифодалаш учун ишлатилади.— *Мактабда ишлаганмисиз?*— *Ҳа.* — *Бугун келасизми?*— *Ҳа, албатта келаман.* — *Бу ҳовли сизникими, мулла ака?*— *деди [Йўлчи]. Абдушукур бошини қимирлатиб «ҳа» деди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Овозга қўямиз Хоҳласангиз «ҳа»га, хоҳламасангиз «қаршига» қўл қўтаринг. *Ихтиёр сизда,*— деди Ойимхон. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор фикрни таъкидлаш, унга диққат жалб этиш учун ишлатилади. *Қори дарҳол маъюс қийфага кирди. Ух-ўх-ўх! Ҳа, она-я! Онайи зор! Шўрлик она ҳозир қандай тушлар кўраётган экан!* А. Қахҳор, Қўшчинор. *Ҳа, бечоранинг бошига мушкул иш тушиб турипти.* А. Қахҳор, Оғайнилар.

3 Кутилмаганда бирор янги фикр ёдга тушганда, бирор кимса ёки нарсани эслашга уринишда, суҳбат темасини ўзгартиришда, кўпинча «айтгандай», «айтмоқчи» каби сўзлар олдидан ишлатилади. *Ҳа, яна бир янгиликни эшитинг. Ҳа, уша кишининг исми нима эди?* — *Колхоз мукофот берди. Ҳа, айтгандай, райондан ҳар қайсимизга бир кўйлақликдан атлас юборишди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**XA III** унд. с. I Қимсанинг қақирувига жавоб учун қўлланади.— *Расулжон, ҳой Расулжон!* — *Ҳа нима дейсиз?* Биров қақираяпти «ҳа» деб қўй.

2 Сўроқ ва тахмин маъноларини таъкидлаш учун ишлатилади. *Ҳа, нима гап ўзи? Ҳа, яхши бўлиб қолдингизми? Ҳа, нима бўлди? Ҳа, иш битдимми?* — *Ҳайдар ота уни очиқ чехра билан қарши олишга ҳарчанд уринса ҳам, Асрорқул зийраклик қилиб; — Ҳа, зерикканга ўхшайсан-ку,— деди.* А. Қахҳор, Асрор бобо.

3 «Нима гап?», «қандай ҳодиса юз берди?», «нишар қалай?» каби сўроқлар маъносини ифодалайди. [Асрорқул] икки ҳафтадан кейин бўшаганича қайтиб келди. *Ҳайдар ота «ҳа? деса, «оқ» ноши тохтадан тушгани би-*

лан, оқ амин аминлигидан тушмаяпти» деди. А. Қахҳор, Асрор бобо.

4 Бирор иш-ҳаракатни маъқуллаш, раббатлантириш ёки қойил қолиш маъноларини таъкидлаш, бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилади. *Ҳа, баракалла? Ҳа, балли. Ҳа, иш деган бундоқ бўлади! Ҳа, мана бу бошқа гап!* — *Ҳа, шундай жойларга бориб вақти чоғлик ҳам қилиб туриш керак. Бўлмас эрикиб қоласиз!* — *деб насихат қилди тоға.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

5 Бирор иш-ҳаракатга ундаш, қисташ маъноларини англатади. *Ҳа, тез бўл. Ҳа, қараб турасанми?* — *Одамлар Тожбойни тартибга чақириб чугурлашди: — Ҳа, сал оғир бўл! Енгиллик қилма!* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

6 Таажжуб, норозилик, рад этиш каби маъноларни англатади. *Ҳа, нега бундай дейсиз? Ҳа, гуноҳимиз нима?* — *Ҳа, Бўтабой ака, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? Тинчликми? — Тинчлик, — деди Бўтабой.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

7 Бировга мурожаат қилганда «хой» ёки «ҳо» сўзлари ўрнида ишлатилади. *Қарим, ҳа Қарим, менга қара.*

◆ *Ҳа деб тез-тез; қайта-қайта, тўхтамасдан. Ҳа деб кулаверасизми? — Давлатёр.. қизнинг сотилганини эшитиб юраги ҳа деб ачишаверибди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Ҳа деганда кутилган, талаб этилган ёки исталган бир пайтда; тезгина, дарров. Ҳа деганда келавермади. — Чол от жиловини силтади. Отлар юриб кетди. Йигит ёнида сўз қотиб борди, лекин чол ҳа деганда гапиравермади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа демай орадан кўп вақт ўтмасдан, тез орада, бирпасда. Ҳа демай келиб қолади. Ҳа демай ёз ўтиб кетди. — Ҳа демай бир қучоқ тол ҳодначалари келтирдилар. Алим бува тўғри чизикни аниқлашга киришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲА-А унд. с. 1** Таажжубни англатади. *Ҳа-а, шунақа денг.* — *Ҳа-а!* — *деб юборди Зиё ака ва бир оз ўйлагандан кейин сўради: — Бунга сиз аниқ биласизми?* А. Қодирӣ, Ҳўган кунлар.

2 Розӣ эмасликни, рад этишни билдиради. *Ҳа-а, ёқмай кетсин. Ҳа-а, сиз учун бошқалар ишлаши керак экан-да!*

**ҲАБ [а]** Ютиш учун мош каби юмалоқ ёки ёсимқ каби ялпоқ қилиб тайёрланган дори; таблетка. *Ҳаб дори. Ҳаб ютмоқ.* — *Бошқалар бунга эришиш учун аллақандай ҳабарга муҳтождир.* А. Қахҳор, Сароб.

**ҲАБАДА** диал. Ҳабата.

**ҲАБАТА [а]** Ҳўринсиз исроф этилган, бекор кетган; беҳуда. *Ҳабата қилмоқ. Ҳабата бўлмоқ. Шу бир оғиз сўз билан унинг барча меҳнатлари ҳабата бўлди.*

**ҲАБАШ** қ. ҳабашлар. *Ҳабаш тили. || Ҳабаш аёл.*

**ҲАБАШБАШАРА** Ҳабашга ўхшатган, тани қора, занжи. *Залда уни кутиб, барра қўзининг жунидек жингалак соч, қора кўз, қоп-қора ҳабашбаша-*

*ра Муса соатиға қараб турар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҲАБАШЛАР** Ҳабашистон (Эфиопия) ҳамда Шарқи-Шимолий Африкадаги бир неча маҳаллий халқ ва қабиаларнинг умумий номи.

**ҲАББА** эск. Ҳа, шундай; ҳа айтгандай, айтмоқчи. *Онанг кеч қайтади, бинобарин, таомни барвақтроқ қилсанг ҳам бўлади.. Ҳабба, таомни ўзинг билан Анвар аканга лойиқ қил.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**ҲАБС [а]** айн. хибс.

**ҲАВАС [а]** Бирор нарсага бўлган қизиқиш, интилиш, майл; хоҳиш, истак, орзу. *Ҳаваси келди. Ҳавас келтирмоқ (тўғдирмоқ). Ҳавас қилмоқ.* — *Катталар баъзан синфга сиғмай кетарди. Аммо одамлардаги ўқишга бўлган ҳавас, Элмуроддаги уларни ўздан миннатдор қилишга бўлган иштиёқ эса, жойнинг торлигини ҳам билинтирмас эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Сидиқжон Москвада инженерликка ўқиб келган қизга ҳавас билан тикилиб, ўзининг зое кетган ёшлигига афсусланди.* А. Қахҳор, Қўшчинор. *Улар кўркаларини кериб, оёқларини баравар ташлаб, баравар ашула айтиб ўтар, ҳамманинг ҳавасини келтирар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҲАВАСКОР [а+ф+т]** Бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган ёки унга эришишни орзу қиладиган киши. *Музыка ҳаваскори. Фото ҳаваскори. Ҳаваскор ёзувчи. Ҳаваскор шахматчи.* — *Йўқ, овчиликда ҳаваскорман. Ўзим биологман. Биофакада доцент бўлиб ишлайман. Ойдин, Икки кўзи шунда. У [Ермат] янги, ҳаваскор, ўспирин аравакаш каби, гердайиб, елкасини қийишқ қилиб ўтирди. Кейин «чу» деб отга қамчи ураркан, Йўлчиға қичқирди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. | Санъатнинг бирор тармоғини (ашула, соз, рақс ва ш. к.) ўрганишга қизиқиб киришган ва тўғарак ишга актив қатнашадиган киши. *Завод клубида ҳаваскорлар концерти бошланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Утган кун факультетда бадийий ҳаваскорлар кечаси бўлган, кечада Очил Замира билан бирга ўтирган эди.* П. Қодирӣ, Уч илдиз. *Набиғул келди. Унинг кетидан уч йигит кирди. Набиғулнинг айтишича, булар маҳалладаги ҳаваскор созандалар эди.* А. Қахҳор, Канотсиз читтак.

**ҲАВАСКОРЛИК** ҳаваскор с. белги оти. *Бадийий ҳаваскорлик. Ҳаваскорликдан артистликкача йўл ўтмоқ. Ҳаваскорлик тўғараклари.* — *Комсомол ташкилотлари пионерлар ўртасида ҳаваскорлик ва ташаббускорликни кучайтиришлари керак.* «ВЛКСМ Устави».

**ҲАВАСЛАНМОҚ** Бирор нарсага эришувни орзу қилмоқ, ҳавас қилмоқ, қизиқмоқ. — *Тўйбеканинг мақтаганича борми ўзи? — Бор, — деди кутидор ва ҳавасланди: — Худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да!* А. Қодирӣ, Ҳўган кунлар. *У бо-*

*лани кўрганда, ўзининг боласизлигини эслар, ҳар бир болага суқланиб, ҳавасланиб қарар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАВАСЛАНТИРМОҚ** ҳавасланмоқ фл. орт. н.

**ҲАВАСЛИ** Бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган ёки унга эришишни орзу қиладиган; орзуманд, ҳавасманд. *Мен бу суҳбатдан Пиракнинг ақли расо ва ҳар нарсага ўрағанишга ҳавасли бўлганини пайқадим.* Айний, Эсдалиқлар. *Саидий ашула айтишига ҳавасли: ўзи ёлғиз қолган вақтларида айтди.* А. Қахҳор, Сароб.

**ҲАВАСМАНД [а+ф+т]** айн. ҳавасли. *Шу пайтда «Беширик» совхозидан Кўқонга, олти ойлик курсга ҳавасманд қизларни юбораётган эдик.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *У палов қилишга жуда ҳавасманд эди.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

**ҲАВЗ [а]** кт. айн. ҳовуз. *Гаҳи айвонда ҳайқирса айиқдек, Гаҳи ҳавз ичра чайқалган қайиқдек. Ҳабибий. Ҳавзи Кавсар ислом дини мифологиясида: жаннатдаги, сувлари тиниқ ва ширин деб таъриф қилинадиган Кавсар номли чашма. Қалима келтир, бетавфиқ! Бу беши кунлик дунёнинг лойқа суви ни ма қиласан, жаннатдаги ҳавзи кавсарни ўйла, аблаҳ!* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҲАВЗА [а]** 1 геогр. Дарё ёки кўлга қўйиладиган, уни ташкил этадиган ирмоқлар мажмуи ҳамда шу дарё ёки кўл атрофидаги мазкур ирмоқлардан сув оладиган территория. *Аму дарё ҳавзаси. Иссиқкўл ҳавзаси. Чирчиқ ҳавзаси.*

2 Сув йўлини тўсиш, тўғон қуриш йўли билан ҳосил қилинган катта сунъий кўл; сув омбори. *Қайроққум сув ҳавзаси.*

3 геол. Тошқўмир, руда каби ер ости бойликлари кўп бўлган кенг бир территория. *Тошқўмир ҳавзаси. Руда ҳавзалари.*

4 Трофи баланд, ўртаси товоқ шаклидаги паст, кенг майдон. *Бу пастқамлик хийлагина катта ҳавза бўлиб, унинг теварак-атрофида паст-баланд уйлар, эгри-бугри деворлар, булар орасида сўппайиб турган якка-дукка дарахтлар кўринар эди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ҲАВО 1 [а]** 1 Ер шарини қамраган, асосан азот ва кислород каби газлар аралашмасидан иборат модда. *Тоза ҳаво. Шарни ҳаво билан тўлдирмоқ. Пуфак ҳавосини чиқариб юбормоқ. Ҳаводан нафас олмақ.* — [Элмурод] уйнинг ҳавосини янгилаш учун парталар орасидан .. зишк олдиға борди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Соғуқ шамолда ловуллаб турган қамшизор манзараси очилиши билан, Ботирали муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, тўқайга кириб кетди.* Х. Ғулум, Машъал.

2 Ер устидаги ҳаво билан тўлган

бўшлиқ; фазо. *Хавода асабий, кучли бир ғулула янграйди. Ҳаяжондан баъзиларнинг кўзлари ёшланади. Ойбек, Қутлуг қон. Ғулумжон хавони чийиллатиб тушайтган камчини мингбошининг қўлидан юлиб олиб, супага урғитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳавонинг дароз бўйига роса икки барабар келадиган гаврони эса дарвознинг лангар чўлидай хавода ўйнади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳаво алоқаси самолёт, вертолёт каби учадиган машиналар қатнови. Ҳаво флоти қ. флот. Ҳаво жанги осмонда самолётлар воситасида бўладиган жанг, уруш. Ҳаво хужуми душманга осмондан, самолёт воситасида қилинган хужум. *Тепаликка биринчи хаво хужуми бўлган кунни ротанинг илгариги хат ташувчиси бомба нарчасидан ҳалок бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳарбий-хаво кучлари осмонда жанг олиб боришга қаратилган ҳарбий кучлар.**

3 Осмон, кўк. *Кушлар гур этиб хавога кўтарилди. — Ёмғир эндиёна тинган, кеча қоронғи эди. Хавода битта ҳам юлдуз кўринмайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эрталаб хавони туман босди, сал ўтмай, ёмғир ёға бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Соғуқ бир оз юшиб тушган, қўёш очиқ хавода ҳаракат этмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Атмосферанинг аҳоли; об-хаво. *Очиқ хаво. Булутли хаво. Куз хавоси. Бугун хаво айниб турибди. Бир — қилиб боққан одамдан кўрқ, бир — ёришиб ёққан хаводан кўрқ. Мақол. — Куз хавоси илиқ эди. Кечки гуллар очилди турибди. Кўкда танҳо ой кезмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳавонинг авзойи бузуқ қ. авзо. Ёмғир жуда қаттиқ қуядиганга ўхшайди-ку, хавонинг авзойи бузуқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаво наст келди соғуқ кўп бўлди. | Бирор жойнинг об-хаво шаронти; иқлими. Бу ернинг хавоси менга жуда ёқди. Ҳосилинг кам бўлса, хаводан кўрма. Мақол. — Февралнинг ўрталарида хаво юшиб дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёпиғи тешила бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор.*

◆ **Очиқ хавода с. т.** очиқ майдонда, усти ёпилмаган жойда. *Очиқ хавода ўтирмақ. Қишда машиналар очиқ хавода қолмасин. — Сув бир дўконнинг остидан чиқиб, бу ҳовлида уч-тўрт қулоч чамаси очиқ хавода оқар ва кўприк — том остига кетар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳавога кетди бўшга, бехудага кетди, фойдасиз кетди. [Ҳожин] ўзининг шунчалик гапларини хавога кетиб турганини .. сездим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳавога совурмоқ бехуда нарсаларга сарфламоқ, исроф қилиб юбормоқ.*

**ҲАВО II [a]** Кибр, баланд димоғлик. *Ёшлик хавоси. Хавоси баланд. Хавоси ошди димоғ пайдо этди, кибрланиб кетди. — Ҳа, айтдим-ку, пухи қайрилган писмиқ бу, — деди Олаҳўжа*

мамнуният билан. — Мақтовдан Борзорбойнинг хавоси ошди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҲАВО III [a]** Куй, оҳанг. *Машиқлар чолғуларини кўла олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин хавоси эмас, ширин, майин хужрабазм сабоси оқа кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ур! — деган команда берилгач, ногорачилар «рез» хавосида ногора чала бошладилар, ясавуллар ҳам ўша хавода чўларини шартиллатиб, Ёдгорнинг қип-яланғоч этига ура бошладилар. Айний, Дохунда.*

◆ **[Бировнинг] хавосини олмоқ с. т.** бировнинг заиф томонларини ўрганиб, уни ўз гапига кирадиган қилиб олмоқ. *Ишнинг хавосини олмоқ ишларнинг йўл, усулини билиб олмоқ, ишга уста бўлиб қолмоқ. Қимнинг биласида кучи бўлса, ким ишнинг хавосини олса, кимнинг камбағаллик жонига теккан бўлса, . . . бу ишдан бир нима чиқишига ишонса, ўша ударник бўлаверди. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**ҲАВОДОР I [a+ф-т]** Тоза ҳаволи, баҳаво. *Ҳаводор биво. — Маждиддин. . . янги боғчасида. . . дарахтлари ёш, лекин ҳаводор ерда зиёфат берарди. Ойбек, Навоий.*

**ҲАВОДОР II [a+ф-т]** Ўйинчи, ашулчи, созанда ва ш. к.ларга тўй, зиёфат эгалари ва томошабинлар берган пул ва совғалар. *Ўйинчи чўнтақлари, дурра таглари ҳаводорга тўлиб, даврандан чиққанда, одамлар увос тортиб чапаклар, қарсақлар билан, оҳ-войлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҲАВОДОР III [a+ф-т]** Қибрли, димоғдор. *Ҳалиги иккиси ҳаводор одам эди, бу етимни кўзларига илмай, айтаётган сўзлари. «Гўрўгли».*

**ҲАВОЗА I** Қурилиш ёки ремонт ишлари учун девор ёнига ёғоч ёки металлдан қават-қават қилиб ишланган муваққат қурилма. *Иш ҳақини талаб қилиб ололмай, Бирор кун ҳам ишдан тўхтаб қололмай, Ҳавозадан бир неча бор йиқилган, Турли-турли балоларга тиқилган. Ҳабибий. Усталар мўри ичида эҳтиётдан тўрт қават қилиб қурилган тахта ҳавоза устида ишлайди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

2 Устига чиқиб атрофни кузатиб туриш мақсадида тепаликка сепоя ёки чорпоя шаклида, аксар ёғочдан ўрнатилган қурилма.

3 *диал.* Токни ердан юқорига кўтариб қўйиш учун ишланган қурилма. *Сўри хавозаси остидаги устунчаларнинг ҳар бири ёнида — ариқчалар бўйида бир беҳ ток ўтказилган бўлиб, тоқларнинг занги устунчалар орқали хавоза устига чиқарилган. Айний, Эсдаликлар.*

**ҲАВОЙИ [ф-т<a]** I Ҳаво рангли, оч кўк, кўкимтир. *Стол устидаги кўк абажурли чироқдан Қундузхоннинг юзига ҳавоий бир нур тушиб турарди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

*Пастга боқмоқдаман: на бир қалъа бор, На қаққайган дарахт, на баҳмал водий, На ҳавоий рангда ёнган жийдазор, На серрайсан кекса тоғлар ажодди, С. Акбарий.*

2 Ҳавога кўтарилган; баланд. *Кўринг, анави ўрта аср биноси қанчалик нафис ва нуривор, миноралар қанчалик ҳавоий ва хушбичил.*

3 *кўчма* Ўзини тутолмайдиган, енгилтак, енгил табиат, беқарор. *Ҳавоий одам. Ҳавоий табиат. — Енгилтак қиз, — деб ўйлади Комил, ичидан қайнаб-тошайтган газибини зўрға босиб. — Шу ҳавоий олифтани деб, мени ерга урясан-а! Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ? || — Мирсоли кейинги пайтларда бир оз ҳавоий бўлиб, бўйишиб қолди, ёрдан берилса изга тушиб олар, — деди директор. Ё. Шукуров, Уч савол.*

4 *кўчма* Кўп меҳнат талаб қилмайдиган; қийин эмас; осон. *Ҳавоий ишлар билан шуғулланмоқ. || — Чиндан ҳам бўзчининг моқсидек эшоннинг ичкари-ташқариси ўртасида бегул оёқдан ҳориб, қатнаб юришдан кўра, ҳавоийгина, бозорда ашуга айтиб, ўйнаб юриб пул топишга на етсин! — деди Шум бола. Ғ. Ғулум, Шум бола.*

5 *кўчма* Асосга эга бўлмаган, асосиз, юзаки. *Ҳавоий вағдалар. Ҳавоий рақамлар. — Фикрингиз жуда ҳавоий ва татом нотўғри. И. Султонов, Бургутнинг парвози. Жўравой ака, нахотки, у [Пўлатжон] мени енгилтак, ҳавоий нарсаларга учадиган қиз деб ўйласа. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ҲАВОЙЛАШМОҚ** Ўзини бошқалардан юқори кўядиган бўлиб қолмоқ, мағрурланмоқ. | Бекорчиликка, енгил ишга ўрганиб қолмоқ. *Ҳавоийлашиб қолган одам. Бу йигит жуда ҳавоийлашиб кетди.*

**ҲАВОЛ I** Ичи зич эмас, ғовак. *Агар тупроқ ҳавол бўлиб қолса, илдишлар сўлийди ва қурийдилар. | Оғирлиги жуда оз, енгил; сал шабадага учиб кетадиган. Чигитсиз тоза пахта ҳавол бўлади.*

2 Куч билан эмас, секингина, бўш. *Аҳмад паҳлавон унинг [хўжанинг] белбоғидан ҳавол ушлади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ҲАВОЛА [a]** Бирор кимса ихтиёрига топшириш ёки зиммасига юклаш. *Кўнглим сенга ҳавола, Етқаймикин камола, Сендек пари Қўқонда. Чархий. Ҳавола қилмоқ I)* ихтиёрига топширмақ, зиммасига юкламоқ. *Сариқ эски йе-тинга ўраниб кетаётган Нарзи тоға ўзини тақдирнинг ҳукмига ҳавола қилганича, индамай эшакни қистарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2)* бирор кимса ёки ташкилотга бермоқ, юбормоқ, топширмақ. *Иш тергов оранларига ҳавола қилинди. — Иван Тимофеевич Зокиржонга хатни ҳозироқ райком партияга ҳавола қилажганини айтиб, уни эшиккача кузатиб қўйди. Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси.*

**ҲАВОЛАБ** рви Юқорига, ҳавога кўтарилиб, баландлаб. *Жонивор дузни*

нишон олади, Ҳаволаб ўзини кўкка уради. «Равшан». Асад қўйди моделин, Учди модел Ҳаволаб, Оплоқ қанотларини Қокди кўшини чоғлаб. Т. Тўла. Бир зумда кўздан учди ёки фалакни кўчди, Ё гул уни яширди, ё ким Ҳаволаб ўтди. Чархий.

**ХАВОЛАНМОҚ I** Ҳавога кўтарилмоқ, баландламоқ. Ҳаволашиб учган суқсур шайлансин. «Ширин билан Шакар».

2 кўчма ўзини бошқалардан юқори кўймоқ, мағрурланиб кетмоқ. Енгил ғалабадан ҳаволанган Эрон кўшини массагетларнинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билан уларни таъқиб эта бошлади. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Маданиятли киши ўзидаги яхши фазилатлардан, гўзалликдан ҳаволамайди. М. Алавия, Гўзаллик нимада? — Қари одамни муштумдай бола олдиди ҳақорат қилганини, болангизни ҳақ одам олдиди ноҳақлик билан ҳимоя этганини эътиборини Боянгангиз бундан ҳаволамайди? — деди Расул ака хотинига. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ХАВОЛАНТИРМОҚ** ҳаволанмоқ 2 фл. орт. н. Ахир мени жуда ҳаволантириб юборасиз-ку, мулла Йўлдошми? С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ХАВОЛАТМОҚ** Баланд кўтармоқ, юқориламоқ, баландлатмоқ. Ўзгориши узун қамчисини бошида баланд ҳаволатиб қарсиллатди-да, отларга қараб қичқирди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. Муродхон қўлига олгани олиб, ҳаволатиб, Чўлпонийни мўлжаллаб олди. «Муродхон».

**ХАВОЛИ I** Ҳавоси бор, ҳавога эга бўлган; баҳаво. Сиқик ҳаволи баллон. Бузуқ ҳаволи хона. — Ёпчон асрий сирларни Бағрига олган қишлоқ. Ёпчон Хушбўй ҳаволи, Фарахбаҳшир, кенг қучоқ. Ғайратий. Қишининг биринчи ярми қуруқ келди. Бу очик ҳаволи кунлар дехқонларга ёқмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Қиш бўронлари ўтган, баҳорнинг юмиш ҳаволи кунлари бошланган. Айний, Қуллар.

**ХАВОЛИ II** ўзини бошқалардан юқори тутадиган; кибрли, худбин, димоғдор. Ҳаволи киши.

**ХАВОЛАНМОҚ** Зич эмас, ғовак ёки бўш бўлиб қолмоқ. Гоҳ ўнгирлардаги таги ҳаволаниб қолган, патирдай юпка музага айланган қор парчаси тағидида лойини ёлғизлаб. Ё ўз тупроқни кавлаб юрган Парпи иссиқлаб кетди. Й. Шамшаров, Бахт излаб.

**ХАВОН [а]** Синч девор устуларини тик тутиб туриш учун устуларнинг тепа қисмидан қияроқ тираб михлаб қўйиладиган ёғоч, тирағич.

**ХАД I [а]** (3-ш. бирл. ҳадди) I эск. кт. Бирор территория тугайдиган жой; чегара.

2 кўчма Бирор белги ёки ҳаракатнинг одатда юз берадиган энг ортиқ даражаси, сўнгги нуқтаси; чек; ниҳоя; меъёр. Ҳадди поёни йўқ, Ҳадди

ҳисобсиз. Ҳаддига етмоқ, Ҳаддан зиёд(а). Ҳаддан ортиқ (ташқари). Ҳаддан зиёда кўп юрмоқ. — Ёдгор ҳам хурсанд, хурсандлигининг ҳадду поёни йўқ эди. Айний, Дохунда. Мендан ҳадду ҳисобсиз гуноҳ, сиздан — кеҳириш. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Салимбойваччанинг кайфи — мастлиги ҳаддига етган. Ойбек, Қутлуғ қон. Эрам боғда етти оғайни девлар бор, Еттовчи ҳам ҳаддан зиёд зўравор. «Рустам». Биринчи марта ўз меҳнатимнинг қатнаши билан тайёр бўлганиданми ёки ҳаддан ортиқ очикқанимданми, ҳар ҳолда, у кунги қўзиқорин қоювдорги гўшт қоювдоридан ҳам тамлироқ туюлди. Айний, Қуллар. — Мана шу ташаббусини табриклайман, ернинг остидан бўлса ҳам суратини топиб берман, — деди Миша ҳаддан ташқари қувониб. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 кўчма Бирор иш-ҳаракат қилиш имкони; ҳақ, ҳуқуқ. Ҳаддан (ҳаддидан) ошмоқ. — Остонадан ҳатлаб чиқишга ҳадди йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Подшоҳдан амр бўлмаса, ҳадди йўқ бориб зиндонни кўрмакка. «Алпомиш». [Додхо:] «Ҳай майли! Бой ота бизга нимани раво кўрса, йўқ дейиш учун бизда ҳад борми?» Ҳамза, Бой ила хизматчи. Гулсум юеуриб етиб келди: — Ҳа, хўш! — деди Мўминнинг олдини тўсиб. — Тилинган тийинг, ҳаддан ошманг! П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳадди сиғмайди бирор иш-ҳаракат қилолмайди, амалга оширолмайди, бунга имконияти ёки ҳуқуқи йўқ. Мурод кудди: — Кўрдингизми, ўрганмаганлар! Бу кишини ишлаш ҳуқуқидан махрум қилишга ҳаддим сиғмайди. А. Қаҳҳор, Йиллар.

**ХАД II** мат. Тенгламани ташкил этувчи сонлардан ҳар қайсиси ёки сон ўрнида ишлатилган белгилардан биттаси. Номаъlum ҳадни топши. Четки ҳадларни кўпайтириш. Урта ҳада тақсимлаш.

**ХАДАФ [а]** I кт. Бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, нишон. Шунга ўхшаш, мулла Абдураҳмон ҳам, муҳокамасига озгина гараз аралаштириб, Сафар бўғзининг аччиқ ҳақоратига ҳадаф бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 кўчма Эришниш, қўлга киритиш кўзда тутилган, ҳаракат йўналтирилган нарса; мақсад. Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёқимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХАДАҲА** диал. Тездан, тезлик билан, дарров. Милициялар ҳадаҳа отланиб, йигирма одам бўлиб, ёв-яроғини осиб, отига қамчи босиб, йўл тортди. «Очилдов».

**ХАДДИЛИ** фольк. Ҳар бир нарсага ҳадди сиғадиган, тап тортмай аралашаверадиган; ўктам. Авазхон кампирга қараса, ҳаддили, зўр кампирга

ўхшайди, сирини яширди. «Балогардон». [Барчин:] «Ҳаддили, зўр қалмоқ экан, бизни кўриб айланишиб юрмасин», — деб ўрнидан туриб, уйига кириб бораётди. — Алпомиш».

**ХАДИК** Бир кимса ёки нарасадан зиён-заҳмат етади деб қўрқиш. хавф, хавотир. Ишонсизнинг ҳадиғи чўпдан. Мақол. — Агар кўнгиларингда ҳадик бўлса, агар шу гапларга қиттак ишонсанлар, Кумри келиноий, мен ҳовлингада қололмайман, — деди Онахон. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Орқада нимадир ўпирилгандай бўлди. Розик қувиб келишайтганмикан, деган ҳадик билан орқасига қараган эди, кўзига жар кўринди. С. Анорбоев, Оқсой. **ҲАДИК** олмоқ (ёки қилмоқ) ҳадиксирамоқ, хавфсирамоқ, чўчимок; хавотир олмоқ. Демак Бўтабой Урмонжондан ҳадик олганидан шундоқ қилган экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Куч-қувватинг Ойбарчиндан кам эмас, Аймоқлардан нега ҳадик олсан? «Ёдгор».

**ХАДИКЛИ** Ҳадик, хавфсираш, қўрқув туйғуларини ифодолувчи. Очликдан мадорсиланган онанинг ва кепак қатирмадан кўз ололмаётган ярим яланғоч болаларнинг ҳадикли қарашини Майнанинг кўнглини бузиб юборди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХАДИКСИЗ** рви Ҳадиксирамасдан, қўрқмасдан; дадил. Сиз ҳадиксиз юраверинг. || Ҳадиксиз киши. — Равшанхон ҳеч ҳадиксиз у элга ҳам кириб боради. «Равшан».

**ХАДИКСИРАМОҚ** Бирор кимса ёки нарасадан ҳадик олмоқ, хавфсирамоқ, қўрқмоқ, безовталанмоқ. Совет жангчиларининг қўққидан бостириб келишидан ҳадиксираган душман бутун тунни билан тартибсиз ўт очиб чиқди. Ойбек, Қуёш қораймас. Яхши эмас, Фармонқул ака, нега кўнганга ўхшаб ўз соянгиздан ҳадиксирадиган бўлиб қолдингиз? С. Маҳкамов, Шогирд.

**ХАДИС I [а]** I дин. Мухаммад пайғамбардан қолган гап-сўз ҳамда пайғамбар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар. Бир қанча муътабар китоб, оят ва ҳадисларни қараб чиқдим. Ғайратий, Довдираш. У[Тешабой] ҳам, ўз пайғамбарларининг ҳадисини бузган ёки фирибгар, қилвириклар билан ўз пайғамбарларини алдаган ривокорлар сингарини динидан ҳам чиқмас, шариат олдида муртад ҳам бўлмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аҳмадхўжа ўз хатида, Маррасаи Оляда тафсир, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди. М. Мухаммадзонов, Турмуш урнишлари. **Хадиси шариф** айн. ҳадис I. У[Султонмурод] диний китоблар — ҳадиси шариф, ҳатто қуръон оятларидаги бир-бирига зид таъбирлар ҳақида савол бериб, устозларнинг ғанига тегарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Ҳадис оши** ёки **оши ҳадис** Мухаммад пайғамбарнинг айтиб қолдирган сўзлари, у ҳақидаги ривоятларни ўқиш, эшитиш мақсадида ўтказиладиган зиёфат, йи-

ғин. [Гулжон] Асти нимасини айтасиз. Оши ҳадисда етмишга кирган ҳазратимнийм кўзлари шохсоққадек ўйнаб кетди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Бирор кимсанинг айтган сўзлари ёки гаплари; ривоят, ҳикоя. Майгун лабини ҳадиси маст этди гойибона, Қайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай. Фазлий. Навоий шайхни шайтонга, унинг ваъзини [насиҳатини] ҳийла-найрангага, муридларини девга, унинг ҳадисини уйдирма гапга ўхшатади. «Адабиёт хрестоматияси».

**ХАДИС II [a]** 1 Куч синиши; синиши. Курашчилар ўзаро ҳадис олишиди. — Улар [пахлавонлар] бир-бирларини синиш учун ҳадис қилиб, узоқ айланиб юрдилар. М. Оснм, Аждодларимиз қиссаси.

2 с. т. Бирор ишни удалашга бўлган эп; малака, маҳорат. — Қозоғистонлик полковнинг ҳадиси анча зўр экан, — деди Тўламат мўйлов. С. Анорбоев, Оксой. Йўқ эди бойқўшининг ҳадис — хунари. «Алломиш». **Хадисини олмақ** бирор иш ёки хунарни жуда яхши ўрганиб эгаллаб олмақ.

**ХАДИСИЗ** Ҳисобига етиб бўлмайдиган, ҳад-ҳисобсиз, сон-саноқсиз, жуда кўп; чексиз. Тушиди сени деб боши-ма жабру ситам, ҳадсиз азоб, Ақлу ҳушимдин оқибат бегона бўладим соғиниб. Ҳамза. | Ҳаддан энед, бенихоят, ғоят, жуда. У [Гулнор] дунёда энг қимматли, энг нодир буюмини топган каби, ҳадсиз севинди. Ойбек, Қутлуг қон. Салимининг сўзлари бу хатга Нурининг мароқини ҳадсиз оширди. Ойбек, Қутлуг қон. Қаттиқ тегма менга мунча юзбошим, Оқизма кўп ғамим узра кўз ёшим, Юрак, бағрим ўзи ҳадсиз эзилган, Юрту ватан, элларимни соғиниб. Ҳамза.

**ХАДСИЗ-ҲИСОБСИЗ** Беҳад ва беҳисоб, жуда ҳам кўп; бенихоят, сон-саноксиз. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Туркистоннинг ҳамма областларида ҳадсиз-ҳисобсиз турлитуман солиқлар яна ошди. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ХАДЯ [a]** Тақдим этилган нарса; совға, тортиқ, тухфа. Подшоҳнинг зиёфатига ҳамма савдогарлар ҳадялар олиб боради. «Эртақлар». Карвонбошини олдига қақриб: — Генералга кирқ минг манот ҳадя қилинсин, — деб амр қилди хон. Ж. Шарипов, Хоразм. Зокир Фаридога пушти гулли панбархат ҳадя қилган, «шу рангни яхши кўраман» деб бир неча марта айтган эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ХАД-ҲИСОБСИЗ** Ҳисобига етиб бўлмас даражада, сон-саноксиз, жуда кўп. Намойишда ҳад-ҳисобсиз байроқлар, шiorлар кўтарган халқ.

**ХАЁ [a]** Ножўя ва шармсиз ҳаракатдан ўзини тортиш; шарм; уялиш. Ҳаё бирла адаб ёшилк чиройин орттирур. Ҳабибий. Унинг беҳад чиройли кўзлари ифбат ва ҳаё билан маъсум боқарди. П. Қодиров, Уч илдиз. Унинг бир вақтлар ҳаёдан кишига дидил бо-

қолмаган чиройли кўзларига ғазаб ва алам тўлган. С. Зуннунова, Гулхан. | Номус, ор. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Мақол. — **Ҳосиқдан ҳаё тиллама**, Золимдан вафо. Навоий. [Солиҳбой:] Кўп чўзма! Шарманда қилдинг! Ҳаё борми сенда! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ХАЁЛИ** Ножўя ҳаракатдан ўзини тортадиган, уяладиган; ҳаёси бор, орли. Ҳаёли қиз.

**ХАЁН** эск. Савдодан келган фойда, наф. Бир мири ҳаён, уч мири зиён. Матал. — У [Тешибой] савдогар отаси Болта кўпасининг ҳаён кўтарса зиёндан қочма» деган васиятини кўз ўнгида тутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЁСИС** Ҳеч нарсадан тортинмайдиган, уялмайдиган; ҳаёси йўқ, уятсиз. Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит. Мақол. — [Соҳибдору:] Ҳаёсиз билмагай ҳеч бир вафони, Вафога олماشур шоҳлар жафони. Уйғун ва И. Султон, Навоий. [Жамила:] Ҳаё беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда номус бўлмайди. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ХАЁСИЗЛАРЧА** рви Ҳаёсиз одамларга ўхшаб, ҳаёсизлик билан. Содик аминнинг чоллар келганидан кейин ҳам ҳаёсизларча уқалатиб ётиши, бунинг устига уларни беобрў қилиб қичқирishi Алим буюани дилгир қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЁСИЗЛИК** ҳаёсиз с. белги оти. Василий бир кунни ҳовлида бир неча болаларга икки қўлни тахтага қўйиб, икки оёқни осмонга қилиб «стойка» қилишни ўргатаётган эди. Қори кўриб қолиб чидаёлмай бақирди: — Ҳай-ҳай, бу қандай ҳаёсизлик тагин! П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**ХАЁТ [a]** 1 Материянинг ўз ривожланишининг муайян бир даврида пайдо бўладиган яшаш ва ҳаракат қилиш формаси; тирик организмда, ҳайвон ва ўсимликда содир бўладиган ҳодисалар мажмуи. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. Усимликлар ҳаёти.

2 Киши ва ҳайвонларнинг физиологик мавжудлиги, яшаши; яшаш. Ҳаётини ҳавф остида қолдирмоқ. — Кумуши моддий ҳаётдан айрилган жонивордек бўшашиди. А. Қодирий, Утган кунлар. — Шу дарча чолингиз ҳаёт вақтида ҳам қийишқ эди . . . — деди кампир. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. [Бировга] ҳаёт бағишламоқ 1) бировни туғмоқ, дунёга келишига сабаб бўлмоқ; 2) ўлимдан қутқармоқ, ҳаётини сақлаб қолмақ. Эсиниёзда борми, мени дор остидан қутқазиб, менга янги ҳаёт бағишлаганингиз? А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳаётдан маҳрум этмоқ 1) ўлдирмоқ; 2) қамаб қўймоқ. | Тирик мавжудотнинг пайдо бўлганидан, туғилганидан то ўлганига қадар ўтадиган яшаш муддати; умр. Қисқа ҳаёт. Узун ҳаёт. — Қизнинг ҳаётида бу ҳаддан ташқари катта ҳодиса эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Нима қилган гуноҳим, Ҳайвондек қийнаш. Тўрт кунлик ҳа-

ётимни таёқла ўйнаш. Ғайратий. Ҳаёт кечирмоқ умр кўрмоқ, яшамоқ. У билан бирга ўттиз йил ҳаёт кечирдик.

3 Киши ва жамиятнинг фаолияти ва яшаш йўсини; турмуш, тирикчилик. Ижтимоий ҳаёт. Оилавий ҳаёт. Ёзувчининг ҳаёт ва фаолияти. Шаҳарда ҳаёт қайнади. Мадаоний ҳаётда муҳим роль ўйнамоқ. — Бизнинг ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар кўмирнинг олтинга айланишидек бир муъжиза, — деди Давронов. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Энди Ҳушрўйнинг оила ҳаёти билан ҳам таништиришга мажбурмиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Ҳаёт (хотин-қизлар исми). **ХАЁТБАХШ [a+ф+т]** 1 миф. Ҳўлини тирилтирадиган, қайта жон киргизадиган.

2 Тирик мавжудотларнинг яшаши, ўсиши учун шароит яратадиган, куч-қувват, тегликлик ёки завқ-шавқ бағишлайдиган. Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди. Кўёш ўз ҳаётбахши нурларини тагин мўл-кўл соча бошлади. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. Тортиқ этмиш тобиат Ҳуш иқлим, тоза ҳаво. Суварлар зилол, шарбат, Ҳаётбахш, дардга даво. Ё. Мирза. Анвар . . қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларнинг ютатар бўйини узоқ ҳидлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХАЁТИЙ [a]** 1 Ҳаётга, яшашга, тирикчиликка оид. Ҳаётий жараёнлар. Ҳужайраларнинг ҳаётий функцияси.

2 Ҳаёт учун, жамият учун энг зарур, энг муҳим. Ҳаётий проблема. Ҳаётий таклиф. — Ҳаётий ғояларнинг мазмун-мундарижаси, Тобора аниқ бўлди соатларда-кунларда. Э. Раҳим. — Энди у [Қудрат] ўзи униб-ўсган азиз кишигога . . катта ҳаётий тажриба билан қайтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЁТИЙЛИК** ҳаётий с. белги оти. **ХАЁТ-МАМОТ** 1 Ҳўлиш ёки қолиш; тақдир. Баҳодир қозога тикилиб қолди. . Шу оддий сўзлар унинг ҳаёт-мамотини хал қилаётгандек эди. М. Жалолитдинова, Кейинроқ.

2 кўчма Яшаш ёки Ҳўлиш масаласини хал қиладиган, энг қаттиқ, аёвсиз, кескин. Кўча жанглари бошланганди. Зулмат билан нур тўқнашган ҳаёт-мамот уруши бормоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Унинг ташқи кўриниши ҳаёт-мамот жангига кирган кишини эслатарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАЁТЧА** с. т. Ҳўжалик ёнидаги кичик экан майдон, томорқа, боғча, чарвоқ. [Холхон:] Мана шу ҳаётчанинг орқасида тор кўча бор, бундан қаёққа боришни ўзим билмайман. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ХАЁТЧАН** 1 Яшовчан, яшай оладиган, ривожланиб кета оладиган.

2 Ҳаёт билан боғланган, ҳаётдан олинган; халқчил. Улар [масхарабозлар] ўзларининг ҳаётчан санъатлари



билан меҳнаткашларга ёқимли ҳаяжон, дилни яйратадиган беғубор кулги, истиқболга шончи баҳи этиб келган. М. Қодиров, Халқ томошаларида урф-одатларнинг акс этирилиши.

**ҲАЖ** [а] Макка шаҳрига бориб, зулҳижжа ойда белгиланган қонда ва одатларга амал қилган ҳолда Қабани тавоф ва зиёрат этиш.— *Ким билсин, менга етказган озори учун ҳаж билан кўнглимни олмоқчи бўлгандир? Мен ҳам унга йўқ деб турмадим,— деди Ҳажжи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Авиёлардан биттаси уч мартаба ҳажга бориб келган экан. П. Турсун, Ўқитувчи. «Худо насиб қилса, ҳажга кетиб, гуноҳларимни ўша ёқда ювиб келаман!»— деб ният қилди отам. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҲАЖВ** [а] Қишилар ёки ижтимоий тузумдаги камчиликларни кулгили қилиб тасвирлаб, масхаралаб ёзилган бадий асар, шеър, хикоя. *Ҳажв қилмоқ (этмоқ).* — *Ҳажв устида қалам ушлаб, оҳсанг лаб, Қайнаб чиқар латифангдан минг хил гап. Ҳабибий. Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам, лекин уни оғиздан-оғизга ўтиб келган дилтортар газалларидан, кулдириб ичак узар ҳажвларидан танийдиганлар кўп эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шоир «Мадҳийнинг бўлса яна аҳволи маълум: хонни мақтши, ўзига ёқмагани ҳажв қилиш, хотин—бозлик, баччабозлик билан овора бир бетайин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ҲАЖВИЁТ** [а] Ҳажвиялар, ҳажвлар, ҳажвий асарлар.

**ҲАЖВИЙ** [а] Ҳажв йўли билан тасвирланган, ҳажв қилиб ёзилган. *Ҳажвий асар. Ҳажвий шеър.* — *Элмурод дастлабки пайтларда гапхона улфатларга газета янгиликлари ва «Муштум» журналининг ҳажвий мақолаларини ўқиб бериш билан кифояланар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ҲАЖВИЯ** [а] Ҳажв, ҳажвий шеърлар.

**ҲАЖВЧИ** Бирор кимса ёки нарсага ҳажв қилувчи, ҳажвий асар ёзувчи. *Мавлоно Абдулқасим деган машҳур ҳажвчи латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳамманинг ичагини узди. Ойбек, Навоий.*

**ҲАЖИКИЗ** сўж. Эркакларча иш тутмайдиган, хотинчалиш; қўрқоқ; номард.— *Мен қиморбозман, бойвачча ҳам қиморбоз. Агар бойвачча «ҳажкиқизман» деса, майли, молини олиб кетаверсин,— деди Эминоҳун. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.*

**ҲАЖМ** [а] 1 Бирор жисмнинг бўй, эн ва баландлик жиҳатидан катта-кичиклиги; фазода эгаллаб турган ўрни (кўп бирлиги билан ўлчанади). *Бинонинг ҳажми. Тахтанинг ҳажми. Тошининг ҳажми.* — *Агар ҳажмини каттароқ қилсам, иморатга керакли ҳажма бўёқ ва сирларнинг ҳаражатини кўтарайди, А. Қаҳҳор, Сароб, Фазо-*

нинг геометрик жисм эгаллаб турган бўлагининг катталлиги, шу жисмнинг ҳажми деб аталади. «Геометрия».

2 Бирор идиш ёки бўшдиқнинг қанча нарса сиғдира олиши, ичининг катталики даражаси. *Ёғ банканинг ҳажми. Қудуқнинг ҳажми.* — *Тилнинг кўтариллиши ҳамда лабнинг чўччайиши билан оғиз бўйлигининг ҳажми ўзгариб, унли товушлар ўзига хос тус олади. «Ўзбек тили».*

3 *Кўчма* Умуман нарсага кўп-озлик даражаси, миқдори. *Иш ҳажми. Мақоланинг ҳажми.* — *Тегиришида қатнашган кишилар гўза тупларининг сочи, шоҳларининг миқдори, ҳосилнинг ҳажмини аниқлаб . . . чиқдилар. И. Раҳим, Ихлос. Биз, қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан, унинг шаҳардаги софдил ҳаётига батафсил тўхтай олмаймиз. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ҲАЖМАН** [а] Ҳажм жиҳатидан, катта-кичиклик ёки кўп-озлик нуқтаи назаридан. *Ҳажман кичик жисм. Иш ҳажман кўп бўлса ҳам, анча еншил эди. ҲАЖМИЙ [а] Ҳажмга боғлиқ бўлган, ҳамдан келиб чиқадиган. *Ҳажмий анализ.* — *Ҳажмий оғирлик бир куб жисмнинг килограммлар ҳисобидаги оғирлиғидир. «Физика».**

**ҲАЖМЛИ** Белгиланган ҳажмдаги. *Катта ҳажмли бак. Кичик ҳажмли идиш. Юз минг тонна ҳажмли кема.*

**ҲАЖР** [а] кт. Яқин ёки сеvimли кишидан айрилиқ, жудалиқ, фироқ. *Ўзингни бос, ҳовлиқма, сабр эт! Балким келиб қолар кўтганинг. Бас, йиғлама етмасми беш йил Ҳажримда қон, зардоб ютганинг. Уйғун. Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо тутатидим ман ўзим, сўзона бўлдим соғиниб. Ҳамза.*

**ҲАЗАР** [а] Бирор шубҳали, зарарли, ёқимсиз нарса ва ҳодисадан ўзини тортиш, сақлашни, эҳтиётлик. *Бу таомдан сизнинг ҳазарингиз ўринсиз. Ҳазар қилмоқ* 1) ўзини тортмоқ, эҳтиёт қилмоқ, сақланмоқ. [*Хонзода:*] *Менинг газабимдан ҳазар қилиш керак! Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) нафратланмоқ, жирканмоқ. Элмурод бу гапларни эшитганда худди сассиқ бир нарсдан ҳазар қилгандай жирканди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ҲАЗИЛ** [а] 1 Қўнғил очиш, эрмак, қизиқчилик учун агайин ёлғондаканига қилинган ҳаракат ёки айтилган гап. *Ҳазилми, чинми? Ҳазилнингчи кўй! Сен ҳазилни кўтармас экансан. Ҳазил — ҳазилнинг таги зил. Мақол. Кўрса ҳазил, кўрмаса чин. Матал.* — *Тантибойвачча Гуландомнинг сўзини [киноясини] ҳазил деб ўйлаган бўлса керак. Ойбек, Қутлуғ қон. Жиддий ишлар бўлиб ўтди, гит қолидан кўчди, энди на жиддий сўз керак, на ҳазил. Айний, Қуллар. У [Элмурод] қор қурашга чиққан катта-кичик шогирдларининг бир-бирига қичқириб айтган гаплари ва ҳазилларини эшитиб завқланарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Бажариллиши қийин бўлмаган,

осон. *Институтда ўқиб ҳазил деб ўйлайсанми? Шунча юкни кўтариб ҳазил эмас (ёки ҳазил гап эмас).* — *Профессор бўлишининг ўзи ҳам ҳазил эмас,— деди Умид Раъно билан Ҳафизаза. Мирмуҳсин, Умид.— Авахтадан шунча одамнинг қошиши ҳазилми?...— деди Темир тоға. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота, Моҳидил эътибор бермаган экан: Латифжоннинг икки чаккасидаги оқ толарлар анча кўпайиб қолди. Бутун бир участканинг ташвишини тортиш ҳазил гапми? Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

◆ **Ўртоқлик ҳазили** кимсанинг ҳазил билан кулгили қилиб ишланган сураги (газета, журналларда).

**ҲАЗИЛАКАМ** с. т. 1 Ҳазил йўли билан қилинган, ноқиддий. *Уларнинг уриши ҳазилакам уриш. Бу ҳазилакам гап. | Шунчаки, наридан-бери қилинган. Ҳазилакам чайла. Ҳазилакам стол.*

2 *Кўчма* Бажариллиши қийин бўлмаган, осон. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ахир, бу шаҳарни [Хиротни] обод этиш учун Навоий ҳазилакам куч-ғайрат сарфлаганми! А. Ҳайитмегов, Навоий гулшани. Қирқ йил бир мактабда ишлаш ҳазилакам гапми! Мирмуҳсин, Умид. | Озмунча. Мен сенга ҳазилакам ёрдам бердимми? Менинг ҳазилакам пулим кетдими? — Шу маҳалда . . . анави хонада ўтирган болаларнинг бошида ҳазилакам ваҳималар кезиб юрибди дейсанми? Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ҲАЗИЛАКАМИГА** *рви* Сира қийналмасдан, осонликча, ўйнаб юриб. *Бу ишни ҳазилакамга қилиб қўяман. — Навқирон йигит эдим. Оғир кетмонларни ҳазилакамга урардим. Ҳ. Турсунқуллов, Ҳаётим қиссаси.*

**ҲАЗИЛВОН** [а+ф+т] *айн.* **ҳазилқаш.** Табиати шўж, қувноқ, ашулачи, ҳазилвон бу қизнинг юрагида дарди бор эди. Ойбек, О. в. шабадалар. *Почаев «ҳи-ҳи, ҳи-ҳи»лаб, бўлиб-бўлиб, совуққина кулди. «Ҳазилвон экансиз» деб қўйди. А. Мухтор, Туғилиш. Қодиржон студентлик давридаги бу оҳнаси билан эски ҳазилвон бўлгани учун, дарров «ҳужумга» ўтди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.*

**ҲАЗИЛҚАШ** [а+ф+т] Бировга ҳазил қилишни яхши кўрадиган, тегажақ; ҳазилвон. *Ҳазилқаш йигит.* — *Жаббор ҳеч ўзгармаган, студентлик кезларида қандай бўлса — ўшандай софдил, ҳазилқаш эди. О. Ёқубов, Учрашув. Бири бирдан башанг, бири иккинчисидан дилқаш, ҳазилқаш, тегажақ қувноқ одамлар. И. Раҳим, Тақдир. Сергей Петрович кекса бўлишига қарамасдан қувноқ, ҳазилқаш, Усмонжон эса камеп ва оғир йигит эди. С. Зуннувова, Гулхан. Мен сенинг ҳазилқашинг эмасан одатда ўзидан ёш ёки мавқен паст кишига нисбатан «мен билан ҳазиллашма», «сен менинг*

тенгим эмассан», «менга гапирма» каби маъноларида ишлатилади.

**ҲАЗИЛҚАШЛИК** ҳазилқаш с. белги оти. Ҳазилқашлигини менга Ҳазилқашлик қилма! Ҳазилқашлик қилмоқ. — *Воси ака кулгисини босолмай ҳазилқашлик билан деди: — Узинг яна битта қиз туғиб бер. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. — Нақ жаннатнинг эшиги олдига бориб қолган эдинг укам, — деди Қудрат ҳазилқашлик қилиб. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**ҲАЗИЛЛАШМОҚ** Кўнгил очиш, эрмак ёки қизиқчилик учун ёлғондан бирор нарса демоқ ёки бирор нарса қилмоқ; ҳазил қилмоқ. [Гулжон:] Эсимга солдингиз. Шу эримга кал нонвойнинг қизи ҳазиллашиб тегаман деса, пок бўғиб ўлдириб қўйай деган эканман. Ҳамза, Паранжи сирлари. Шоқосим ҳазиллашди: — Ҳар кун саҳарда минг марта «ё олло!» дейсиз, бирор марта «ха» деганини эшитдингизми? Ойбек, Қутлуғ қон. — Паранжи ёпинмай қўй қолинг, — Усмонжон бу гапни Адолатни чўчқатмаслик учун кулиб, ҳазиллашиб айтди. С. Зуннунова, Гулхан. Қимсага ноқиддий муомала қилмоқ, тегишмоқ, ўйнашмоқ. Улар уришаётгани йўқ, ҳазиллаша-япти. — Тунқотар Анвар билан ҳазиллашгандек, унинг қўлидан ушлаб, ичкарига — девона бошлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ефим унинг [Эргашнинг] сочини чаналлаб, ҳазиллашиб силкиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Бирор кимса ёки нарсани менсимай, писанд қилмай муомала қилмоқ. — *Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит, — деди ниҳоят пўнгиллаб бой, — ахир, амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?! Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ҲАЗИЛ-МАЗАХ** Ҳазил ва мазах, ҳар хил ҳазил ва мазахлар, масхара-возлик. *Шу билан бира, бу ерда қоринлари оч бўлса ҳам, бир-бирларига ҳазил-мазах қилиб, қизиқ хангемалар айтиб, кўнглини хуш қиладиган кишилар бор эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ҲАЗИЛ-МУТОЙБА** Ҳазил ва мутуйба, ҳазиломуз гаплар ва аския. Соғарий ўртасида бўлган ҳазил-мутуйбаларнинг энг қизиқларини айтarkan, Султонмурод ичкалари узилгудай хахолоб кулди. Ойбек, Навоий.

**ҲАЗИЛНАМО** [а+ф-т] айн. ҳазиломуз. Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазилнамо гап ташлашарди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ҲАЗИЛОМУЗ** [а+ф-т] Ҳазилга ўхшаш, ҳазил аралаш, ноқиддий. Ҳазиломуз муомала. || Ҳазиломуз кўйламоқ. — *Зиёдаҳон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди: — Унақа одам эмаслигини ҳали ўзлари ҳам билмайдилар. А. Каххор, Қўшчиноқ.*

**ҲАЗИЛСИМОН** айн. ҳазиломуз. Ҳазилсимон гап. || Тантубойвачча уни ҳазилсимон койиб, кейин Йўлчиға сўзлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАЗИЛ-ҲУЗУЛ** Ҳар қанақа ҳазиллар, ҳазил-мутуйба. *Сен унга ҳазил-ҳузул қила кўрмагин! — Дастлаб ёш келин-куёв ҳеч нарсага эътибор беришмади. Ҳазил-ҳузул билан, жингалак сочли ўғилча туғилиши ҳақида орзу қилиб юрдилар. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. || Бобом ва чол энди ҳар хил ҳазил-ҳузул гапларга ўтишади, тўйиб ҳазиллашади. Ойбек, Болалик.*

**ҲАЗИМ** [а] Кишини ғам-қайғуга соладиган; мунгли, қайғули. *Бир томонда чўпон найининг ҳазин овози эшитилди. Айний, Эсдалиқлар. У [Отабек] кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди, бироқ ҳозирги ихтиёр ўзида эмас эди — ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин навосида, тоқатсиз йиғисида эди. А. Қодирий, Утган кунлар. || Онахонга Собиржонни эслатадиган Башоратнинг «адам!» дейиши алланечук ҳазин эшитилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ҲАЗИНИЯТ** [а] кт. Кишини ғам-қайғуга соладиган ҳолат; ҳазинлик, мунг. *Юлдуз йўқ, чироқ йўқ, фақат қандайдир киши кўнглини таталовчи ҳазиният кезади. Х. Шамс, Душман.*

**ҲАЗИР** [а]: ҳазир бўлмоқ с. т. бирор кимса ёки нарсадан эҳтиёт бўлмоқ, ўзини сақламоқ. *Иннайкейин, ҳазир бўлинглар: қақир ерларга жон кирганда тагин Тешабой илиб кетмасин. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҲАЗМ** [а] Таомнинг ошқозонда сингиши, организмда ўзлаштирилиши. Ҳазм бўлмайдиган овқат. — *Ез кунлари тагидан ранг-баранг майда тошлар кўришиб турган сойдан бир ҳовуч сув олиб ичангиз, танангиз яйраб, еган овқатингиз ҳазм бўлиб кетади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Ҳазм қилмоқ* 1) сингдирмоқ, ўзлаштирмоқ (овқатни). *Мен кечки овқатни сизлардан сал барвақтроқ қиламан, негаки кексароқман, бўлмаса ҳазм қиллолмайман. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) кўчма бирор кўнглисиз ҳодиса ёки муомалага бардош бермоқ, чидамоқ. Фармонов болаларнинг ишидан маннун бўлса ҳам, муомалаларини ҳазм қиллолмасди. А. Мухтор, Чинор; 3) кўчма мянга сингдириб олмоқ, уқмоқ, ўзлаштирмоқ. Дарсни ҳазм қилмоқ. — [Султонмурод]. — ҳужрага қамалиб, кеча-кундуз китоб мутулаа қилади. Унлаб китобни ҳазм қилгандан сўн, яна ўз ишқининг аламли, туганмас достонига берилади. Ойбек, Навоий; 4) моҳиятига тушунмоқ, англаб етмоқ. [Мирҳоси] кейинги вақтларда халқ ҳаётида юз берган ўзгаришларни ҳазм қила олмай: «Мен ўзгардимми, ёки замон ўзгардимми?» деб юрибди. Х. Фулом, Сенга интиланман; 5) кўчма ўзиники қилиб, ўмариб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. Халилов «9021 килограмм маккажўҳори олинди» деб қалбаки акт тузади, бунинг эвазига 1804 сўмни ҳазм қилади. И. Тўхтасинов, Уч оғайни ботирлар.*

◆ **Ҳазми таом** овқатни ҳазм қилиш учун хизмат қиладиган нарса.

**ҲАЗМЛИ** Тез, осон ҳазм бўладиган. Ҳазмли таом.

**ҲАЗОР** [ф-т] кт. Минг (одатда ўзбек тилида саноқ сон маъноснда эмас, балки сон-саноқсиз, «жуда кўп, гоёт, бениҳоят, чексиз» каби маъноларни ифодалаш учун қўлланади). *Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси — Минг карра минг тонна, ҳазор бор ҳазор. Ф. Фулом.*

**ҲАЗОР-БАҲАЗОР** Минг-минг, мингларча, жуда ҳам, беҳад кўп. [Имом домла:] *Бажонудил ўқид эдик, ҳазор-баҳазор афсуски, ойнак ҳужрада қолибдур. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ҲАЗОРОН** [ф-т] кт. Минглар, минг-минг, беҳисоб. *Нечук худо ярлақади, тақсирлар? Ғариб хонамизни муборак қадамларингиз билан мунаввар этганларингиз учун ҳазорон раҳмат! А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ҲАЗОР-ҲАЗОР** рвш Минг-минг, мингларча, сон-саноқсиз, чексиз, беҳад кўп. [Зикир ё қори:] *Яратганга минг қатла шуқурки, мусулмонлар рус подшоши қуллигидан қўтилишга муяссар бўлди. [Азизбой:] Ҳазор-ҳазор шуқур. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

**ҲАЗРАТ** [а] 1 дин. Олло, пайғамбар каби муқаддас зотларни улуғлаш учун уларнинг исми олтидан қўлланади, мас. ҳазрат одам, ҳазрат Исо. — *Сельмас деганингиз ажойиб завод. Бу ерда не қилсин ҳазрати Довуд. Фозил шоир. Ҳазрат Алининг дулдулини ҳеч бир от қувиб этган эмас, китобларда шундай ёзилган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Дин арбобларини улуғлаш мақсадида уларнинг мартаба, вазифа ёки исмларига қўшилиб ишлатилади. «Зехни ўтқир, тили бурро Ҳафиза болам анча қийналди. Исириқ солиб, ҳазрат Баҳоваддинга ўн битта кўлча атаб қўй, болам», — деди кампир. Мирмуҳсин, Умид. Ҳазрати эшоннинг хизматлариға бел боғлаб, шу ерларда муридларга бош бўлиб бугдой эктирди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.*

2 **Подшоҳ, хон, бек** каби олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун «жаноб олийлари» маъноснда ишлатилади, мас. султон Хусайн Бойқаро ҳазратлари. — *Оқ подшо ҳазратларининг фуқаросимсанлар, албатта, болаларингни берасанлар, вассалом. Ойбек, Қутлуғ қон. Қамчиси кўкда тобланиб, ханжари заҳар сочган хон ҳазратнинг буйруғига ким қарши бора олсин. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ҳудайчи қўрғонбеги қошига етиб бек ҳазратларининг ҳозир етиб келишлариға башорат берди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

3 **Фан, санъатда шухрат қозонган буюк кишиларни улуғлаш учун** ва умуман хурматни ифодалаш учун тахаллус ёки номларга қўшиб ишлатилади, мас. Навоий ҳазратлари, ҳазрати Жомий. — *Менга қаранг, ака, — деди йигит Азимжонга қараб, — сиз нима ойдан тушсанмисиз? Шундоқ бўлса ҳам ҳазрат Навоийни билсангиз ке-*

рак хойнахой? А. Мухтор, Чинор. Ҳазрат мударрис хайрлашган жойида яна тўхтаб томоқ қириб олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХАЙ** унд. с. 1 Кимсанинг диққатини ўзига жалб этиш, чақириш учун қўлланилади; эй. Хай, эшик тақил-ляпти, қара. Хай бола, қаёққа кет-япсан? — Мулла Норқўзи дарғазаб бўлиб ўрнидан турди ва эшик олди-га бориб, бор товуши билан бақирди: — Хай, хотин, дейман, қандоқ бе-ҳайсан! А. Қахҳор, Майиз емаган хотин.

2 Кимсани огоҳлантириш учун қўлланилади; о, эй, ай. Хай, бу гапни унга айта кўрма. Хай, электр симиға тегиб кетма. — У [қизил аскар] уйининг зинасига энди қадам қўйганда похол ғарам остидан чиққан бир камтир: — Хай, болам, немис бор! — деб қичқирди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

3 Бўлган ёки ўтган ишдан розиликни ёки унга эътибор бермасликни ифода-далаш учун қўлланилади. Хай, ўтган ишга салават. Хай, бўлар иш бўлди, энди, бу томонига эҳтиёт бўл. — Хай, майли, ишқилиб сени топарман. Хали икковимиз девдингми? Шеригинг қани? — деб. аланглади Давлатёр. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Шайтонга хай бермоқ қ. шайтон II.

**ХАЙБАРАКАЛЛА** Турли мақтов сўзлари билан бирор иш ёки ҳаракатга қизиқтириш. Атрофингиздаги тўрт-беш лаганбардорнинг хайбаракаласига учиб, ўзингизни йўқотиб қўйдингиз. С. Маҳкамов, Шоғирд. Бу даврда илгариги хайбаракала билан иш битмайди. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

**ХАЙБАРАКАЛЛАЧИ** I Ўзи иш-ламасдан бошқаларни ишга қизиқтириш, тезлаш учун қуруқ гап сотиб, шовқин-сурон кўтарувчи.

2 Арзномаган оддий ишни кўкларга кўтариб кўрсатувчи, оғиз кўпиртириб мақташ билан шуғулланувчи лаганбардор. Хошим уни [Фуломни] ўз хайбаракаллачилари сафига ҳеч тортолмади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ХАЙБАТ** [а] Қишида қўрқув аралаш эҳтиром ва ажабланиш ҳисларини пайдо этадиган улуғвор кўриниш; важоҳат. Унинг ҳайбати зўр. — [Очил бува] Чинортоғ этагида ҳайбат билан қорайиб турган чинорга узоқдан тикилиб тонг оттирди. А. Мухтор, Чинор. Аждарҳо, дамима Шакар кетади, Аждарҳо, ҳайбати шундай бўлади. «Ширин билан Шакар».

**ХАЙБАТЛИ** I Кўриниш кишида қўрқув аралаш ажабланиш ва эҳтиром пайдо этадиган; баҳайбат, салобатли, ваҳимали. Ҳайбатли бир манзара.

— Хутбада у [эшон] қиёмат, дўзах азоби, ҳайбатли аждарҳолар тўғрисида гапириб .. кўрқитди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. — Сабр қилинса, халойиқни саломат сақлай-

миз, ўзимиз ҳам қаттолга қариши ҳайбатли кучга айланамиз! — деди Комил Рустамов. С. Азимов, Тўртинчи фасл.

2 Жуда ҳам катта, улкан, улуғ, азамат; зўр. Ҳайбатли қайрагонлар. Ҳайбатли тоғлар. — Ҳоқимнинг новча, ҳайбатли қомаги олдида ўзининг ўрта бўйли, силлиқ, ихчам гавдаси билан замонасининг қорни катта бойларига сира ўхшамаган Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Катта тош йўл ёқасида ишлаётган ҳайбатли экскаватор эса янги ерга борадиган канал давомини қазирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХАЙВОН** [а] I зоол. Ҳаракат қилиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир тирик мавжудот; жонивор. Умуртқали хайвон. Сўтэмизувчи хайвонлар. Судралувчи хайвонлар. Ваҳший хайвонлар. Уй хайвонлари.

2 Инсондан бошқа ҳар бир жонивор. Ўргатилган хайвонлар. Хайвонот боғида хайвонларнинг турлари ҳам, сони ҳам кўп. — Уқ овози ҳудди чўл устида алақандай ваҳимали хайвон ўқиргандек бир неча дақиқа акса-садо бериб турди. С. Аҳмад, Уфқ. Тахта уйининг ертўласида хайвон борлигини пайқайди. Ойбек, Қуёш қораймас. Иш хайвони минниш, юк ташини, ер ҳайдаш учун ишлатиладиган тўрт оёқли жонивор; от-улов. Қулоқларнинг от-уловлари, иш хайвонлари бугун-эрта колхоз ҳисобига ўтиши керак. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўчма сўк. Кўпол, маданиятсиз, шафқатсиз, қабиҳ киши ҳақида. Одамнинг хайвони киши ҳақидан қўрқмайди, киши молга кўз олайтиради. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Оби хайвон ўликни тирилтирадиган сув, тириклик суви (этракларда). Хайвони нотик экс. инсон, одам.

**ХАЙВОНЗОД** [а+ф+т] Хайвон боласи, хайвон насли, хайвон. Жабр қилди хайвонзонинг жонига, Қирқ бир қамчи урди отнинг сонига. «Рустам». Ёдгор бу чинорнинг остига борди, ҳар тарафга қаради: на одамзод, ё бир ваҳший хайвонзод — ҳеч нарса кўрмади. «Ёдгор».

**ХАЙВОНИЙ** [а] Хайвонларга хос хислати бўлган, шахвоний. Хайвоний нафс. — Қисқа қилиб айтганда, бошда менинг унга [қизга] бўлган севгим «хайвоний бир ишқ» бўлса, энди «инсоний ишқ» даражасига кўтарилган эди. Айний, Эсдаликлар.

**ХАЙВОНЛАРЧА** рви Хайвонларга хос, дағал, кўпол. Узини хайвонларча тутмоқ. || Хайвонларча муомала.

**ХАЙВОНЛАШМОҚ** Кўполлашмоқ, инсонга хос фазилатларни йўқотмоқ, ваҳшийлашмоқ. Муродхўжа домла: — Қишлоқ халқи хайвонлашиб кетаёттир, кўргани тоқатим йўқ, — деб юрган одам. А. Қахҳор, Сароб.

**ХАЙВОНЛИК** I хайвон с. мавҳ. от.

2 Кўчма Маданиятсизлик; пасткашлик, разиллик, қабиҳлик.

**ХАЙВОНОТ** [а] Тирик мавжудотлар, хайвонлар; хайвонлар олами. Поччам билан амаким .. бу хайвонотларнинг ҳар битмасини нури дийдаларидай парвариш қилдилар. Ғ. Ғулом, Шум бола. — Дарвин наботот ва хайвонот оламининг тараққиёт қонунини очгандай, — Маркс инсоният тарихининг тараққиёт қонунини очди, — деб ўқиди Мунисхон. А. Қахҳор, Сароб. Хайвонот боғи қ. боғ I I.

**ХАЙВОНСИФАТ** [а] Хайвонларча иш тутувчи, бадхулқ киши. Хотин урадиёна ва хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиладиган баъзи хайвонсифат кишилардан бўлиб кетиши, менимча, эҳтимолдан жуда узоқдир, иним мулла Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХАЙДАЛМА**: хайдалма қатлам қ. х. экин майдонининг ҳайдаб юмшатиладиган устки қавати. Чуқур қавлашди, хайдалма қатламдан чиққан ва озиқ моддаларга бой бўлган тупроқ чуқурларнинг бир томонига .. ташланади. Р. Мусамухамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

**ХАЙДАЛМОҚ** хайдамоқ фл. мажҳ. н. Пода ўтлоққа хайдалди. Бу заводда нефть хайдалади. — Жиноятчилар қонвой остида қишлоқ шўрсига хайдалдилар. Айний, Қуллар. Ноҳақ хайдалган уч киши ишга қайтариб олинсин, итраф бекор қилинсин. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. [Элмурод] қўлтиғида папкаси, ариқ ёқалаб, хайдалган, қорайган ерлар олди билан одимлар экан, узоқ-узоқларга, қирларга тикилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХАЙДАМОҚ** I Бирор томонга қараб юришга қистамоқ; боришга мажбур қилмоқ. Карвон йўлга тушар юкларни ортиб .. Қуллар уюр хайдар сурини тортиб. Ҳ. Олимжон. [Бригадалар] .. ҳаял ўтмай уловларни чойхонанинг олдидан хайдаб, далага намоишқорона чиқиб кетишди. А. Қахҳор, Кўшчинор. | Бирор томонга йўлламоқ, сурмоқ. Шамол булутни хайдади. — [Абдурахмонбой Маҳкамга:] Суви Соғариққа хайдаб, Мансур оқсоқолнинг қулоғидан хабар ол. Н. Сафаров, Уйғониш. | Бир жойдан бошқа жойга кетказиб юбормоқ, қувмоқ. Товуқларни хайда! — [Руднев:] Чикинг. Полковник Карповга айтине, халқни маҳкамадан нарига хайдасин. Н. Сафаров, Уйғониш. Келин совчи хотинларни хайдаб юборди. А. Қахҳор, Кўшчинор. | Бирор жойга зўрлаб олиб бормоқ. Хайдаб келмоқ. Хайдаб олиб кетмоқ. — Дарҳақиқат, шуни билки, раис, мени ҳеч ким далага хайдагани йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Фармоқда мардикор дейилган, аммо .. йиғитларни элтиб, тўппа-тўғри ўқ тагига хайдадилар. Ойбек, Қутлуғ қон. Мирқосим уни [Қудратни] тўғри мингбошиникига хайдаб келди, М. Исмоилий, Фарго-

на т. о. Бир тўда асирларни босмачилар шу йўлдан ҳайдаб кетишгаётганиди. Х. Гулом, Машғал. Бир кеча колхознинг кўрасига иккита ўғри тушиб, учта сигир, иккита от, тўртта қўйни ҳайдаб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 с. т. Бадарға қилмоқ. Чор ҳукумати революционерларни Сибирга ҳайдар эди.

3 Транспорт воситасини миниб, юргизиб, бошқариб бормоқ. Отам арава ҳайдар эди. Акам машина ҳайдайди. — У дўконларга газлама ташиди, извош ҳайдади. Ойбек, Қутлуғ қон. Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетавераман. А. Қаҳҳор, Бос тепкини.

4 Ишдан, амалдан четлатмоқ, бўшатиб юбормоқ. Колхоздан ҳайдамоқ. — Уйинг куйгурда икки ой қадар ишладим. Кейин ҳайдади. Ойбек, Қутлуғ қон. Сен нима қилсанг нолиб! Омбуринг қўлингда. Бир кавакдан ҳайдаса, бошқа кавакда тиши сугуриб айшингни қилаверсан. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

5 Ерни махсус асбоб (плуг, омож, сўқа каби) тиши билан тилиб, ёриб, ўйиб юмшатмоқ. Ерни трактор билан ҳайдамоқ. Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда. Мақол. — Тўлаган колхознинг энг яхши қўш хўқиси билан ўз ерини ҳайдамоқда эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қўш ҳайдамоқ қ. қўш 1 3.

6 Иситиш ёки қайнатиш йўли билан таркибий қисмларга ажратмоқ; шу йўл билан бирор нарса ажратиб олмақ. Спирт ҳайдамоқ.

**ХАЙДАР** [а] 1 Икки чаккадан қўйилган кокил. Боққа кирсам тонг шамоли Хайдаримни эсади. Уйга кирсам ғариб онам Юрагимни эсади. «Кўшиқлар». Хайдар кокил умуман чиройли ўрилган узун соч ёки кокиллар. Қаддини ростлаб олди, Урталикда бир аёл. Хайдар кокил тушиб кетди — Боғланганми экан бўйи? Т. Тўла.

2 Хайдар (эркаклар исми).

**ХАЙДАРКОКИЛ** Ўрдакларнинг бир тури; бошида қора патдан иборат кокили бўлади.

**ХАЙДАТМОҚ** ҳайдамоқ фл. орт. н. Ишдан ҳайдатмоқ. — Қишлоқнинг ёш-қари, эркак-аёл, бутун аҳолисини ҳайдатиб келди. А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг. Уловим йўқ, трактор билан еримни ҳайдатиб берсангиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ХАЙДАТТИРМОҚ** ҳайдатмоқ фл. орт. н.

**ХАЙДАШ** ҳайдамоқ фл. иш оти. Уйга кирган товуқларни ҳайдаш. — Сувожон орқада қолиб кетган анқов қўзиларни ҳайдаш билан овора бўлганидан ўчоқни, оловни ҳам унутди. С. Анорбоев, Оқсой. Мулла ака! Ҳам-моллик иш эмас. Мен ер ҳайдашини, кетмон чопшини яхши кўраман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАЙДАШМОҚ** ҳайдамоқ фл. бирг. н.

Болалар ғозларни ўтлоққа ҳайдашди. — Жонфигонни ўша замонийк ишдан ҳайдашди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.

**ХАЙДА-ХАЙДАЧИЛИК** Иш сифатсиз бўлса ҳам тез бўлсин учун ишловчиларни тез ишлашга қисташ, шошириш; шошма-шошарлик, ҳайбаракаллачилик. — Аксинча, партия оммавий ишда бундай ҳайда-ҳайдачиликни доим қоралаб келган ва қоралайди, — деди Михайлов. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХАЙДОВЧИ 1** ҳайдамоқ фл. ш. оти. Автомашина ҳайдовчи. Ер ҳайдовчи. Извош ҳайдовчи. Пода ҳайдовчи. — Нафсиламрда, бизга ўхшаш отбоқарга, ер ҳайдовчига қийин, жуда қийин. Ойбек, Қутлуғ қон. Йўлчи уни бир жувозкаш майда боёга хизматкорликка — унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Транспорт воситалари, кишлоқ хўжалик машиналари ва ш. к.ларни бошқарувчи киши.

3 «Бешкўтарар» ўйнида рақиб томонига жўнатилган жуфт қарталарнинг устига қўшиб бериладиган яна битта қарта. Икки ўнлик ва икки саккизликка бир еттиликни ҳайдовчи қилмоқ.

**ХАЙЁ-ХАЙ:** хайё-хай деб (ёки дея) йўлга, сафарга астойдил жазм қилиб, зўр қатъият билан. Мамаюсуф Қўққашқани чоқ қилиб, .. Гулнозни мингаштириб, дарвозадан хайё-хай дея чиқди-да кетди. Т. Сулаймон, Интизор.

**ХАЙЁ-ХУ:** хайё-ху деб (ёки дея) айн. хайё-хай деб (ёки дея) қ. хайё-хай. Этак турмушлаб, ёнбошимга бир муштаб, хайё-ху деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим. Ғ. Гулом, Шум бола.

**ХАЙЗ** [а] Аёллар бачадонидан ҳар ойда бир марта келади қон, ой кўриш. Хайз кўрмоқ.

**ХАЙИНЧАК** диал. Учиб ўйнаш учун баланд ёғочга, кўпинча дарахт шохига осиб, учлари қўшиб боғланган узун арқон ёки арғамчи; арғимчоқ. Ҳасан овчининг қўйнисиникида қизлар ҳайинчак учинмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХАЙИНЧАЛАК** айн. хайинчак.

**ХАЙИТ** [а ид] 1 дин. Йилда икки марта рамазон тамом бўлгач уч кун ва қурбон ойда уч кун бўлиб ўтадиган диний байрам. Тўй тегишлилики, ҳайит барчаники. Мақол. — Илгари ҳайит кунлари Қўмирсаройда қўғирчоқбозлик, «чодир хаёл» бўлар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. О, нақадар бахтли эди Ғуломжон ўша ҳайит намози кунин! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу ҳам майли-я, ўтган йили ҳайит ҳафтаси ғалати иш бўлди; ўша оғайнилардан биттаси районга бориб, мени чақирпти. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Катта ҳайит рамазон ҳайити, рўза ойи охирида бўладиган диний байрам. Катта ҳайит бўлса — ўтган, кичигига ҳали анча бор. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кичик ҳайит ёки қурбон ҳайити қур-

бон ойда бўладиган диний байрам. Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 этн. Вафотига йил тўлмаган кишини ҳайит кунлари йўқлаб аза тутиш, эслаш маросими. Онасининг ҳайити яқинлашган кунлар эди. Ҳа демай акасининг ҳайити ҳам келади.

3 кўчма Бирор муваффақият, ғалаба муносабати билан бўладиган умумий шодлик, байрам. Пахта планимиз бажарилган кунни сизу бизга ҳайит-да! — Эчкига жон қайғуси, қас-собга мой қайғуси. Мен нима ғамда-ю, сизга ҳайит экан-да? — деди Акмал Қудратга. Ж. Абдуллоҳонов, Йўл.

**ХАЙИТЛАМОҚ** с. т. Ҳайит байрамини нишонламоқ, ҳайит кунлари сайр қилмоқ. Ярашсин деб, қора хо-лар қўйилган, Қўчаларда ҳайитлаган ким бўлди? «Равшан».

**ХАЙИТЛАШМОҚ** ҳайитламоқ фл. бирг. н. — Ёз пайти почкамнинг ўртоқлари қозун сайилга чақирган. Бир тарафдан ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, — деди Шум бола. Ғ. Гулом, Шум бола.

**ХАЙИТЛИК** Қимсага ҳайит муносабати билан қилинадиган совға (пул, кийим-кечак ва ш. к.). Шодлик қўши-ғи босди саодат қўчасини, Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини. Ғ. Гулом. Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўғул згарча билан ғалати қилиб тойчамни згарладим. А. Қодирй, Улоқда. Низомжон, аксидан ҳайитлик олган боладек диққатлаб кунни кеч қилди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ХАЙИТ-МАЪРАҚА** айн. ҳайит 2. — Мунча тез? Ойимнинг ҳайит-маърақаси ўтмасдан-а! — Ҳақимбойвачча қўлини силқиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАЙИҚИШМОҚ** хайиқмоқ фл. бирг. н. Унинг янги усул мактабига дастлаб болалар жуда кам келди. Тўғрироғи, ота-оналари «қандай бўлар экан» деб болаларини беришга ҳайиқишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЙИҚМОҚ** Бирор иш-ҳаракат қилишга ботинмай хавфсирамоқ, тортинмоқ; қўрқмоқ, қўчимоқ. Болалар Анварга эҳтиром қилмасалар ҳам, унга бурунгича ёмон муомала қилишдан ҳайиқиб қолдилар. А. Қодирй, Мехробдан чаён. Ҳасан директорни кўрмасдан олдин, у билан учрашишга ҳайиқди. Ибохон, Улуғ кун.

**ХАЙИҚТИРМОҚ** хайиқмоқ фл. орт. н. Фосиҳ афандини устага қаттиқ гапиришдан ҳайиқтирган иккита сабаб бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЙКАЛ** [а] 1 Киши ёки ҳайвон гавдасининг гипс, тош, металл, ёғоч ва ш. к. қаттиқ материаллардан ясалган тасвири. Навоий хайкали. — Чўян кўприк, бронза хайкал, Тарашланган тошгача ҳатто, Бу ерда рус руҳи борлигин Тасдиқларди аниқ, бехато. С. Акбарий,

2 Бирор шахс ёки воқеа хотира-сини абадийлаштириш учун ясалган архитектура ва ҳайкалтарошлик иншооти; ёдгорлик. *Уруш қурбонларига ўрнатилган ҳайкал.* — Қаршимда Минин билан Пожарский ҳайкали. Х. Салоҳ, Чашма.

3 фольк. Аёллар бўйинга осиб, кўракка ташлаб оладиган, олтин ёки кумушдан ишланган безак буюми (зебигардоннинг бир тури). Ойимлар ўтирар ҳайкалин осиб, Мушку амбар ҳиди ҳар ённи босиб. «Равшан». У [Зулфизар] тилла ҳайкаллари осиб, .. оёғининг учи билан босиб, кўрганнинг дилини кесиб, боққа равона бўлди. «Зулфизар билан Авазон».

**ҲАЙҚАЛЛАШМОҚ** фольк. Бир-бирининг қўлидан, белидан ушлаб ёки бўйинга қўл солишиб юрмоқ, тизилмоқ. Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар ҳайкаллашиб, .. тўп-тўп бўлиб .. юрибди. «Равшан».

**ҲАЙКАЛТАРОШ** [a+ф-т] Йўниш, ўйиш, қўйиш йўли билан тош, бронза, ёғоч, гипс ва ш.к.лардан ҳайкал ясовчи санъаткор уста. Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош кўп ҳафсала билан йўнган. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҲАЙКАЛТАРОШЛИК** ҳайкалтарош с. касб оти. Ҳайкалтарошлик қилмоқ.

**ҲАЙКАЛЧА** Қичкина ҳайкал. Қўлга сиёздон ушлаб «арзimas тортиқни қабул этинг» деган вазиятда турган кумуш ҳайкалча — яланғоч хотин, Саидийни доим ишга чақиради. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАЙКАЛЧИ** с. т. Ҳайкалтарош.

**ҲАЙРАТ** [a] Кутилмаган нарса, воқеа, ажойибот-ғаройибот ва ш.к.га учраганда кечириладиган ҳиссиёт, ҳайрон бўлиш, таажжубда қолиш, ажабланиш; таажжуб, ҳайронлик. *Узи нима гапلىгидан хабарсиз бўлган Фотима номус ва ҳайратдан кўзлари олайган ҳолда, .. сандалнинг бир четига ўтирди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Зуннунхўжа .. тўй ҳаракатига тушиди. Бу ҳодиса қишлоқда кўп кишиларни ҳайратга солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинонор. **Ҳайрат бармоғини тишламоқ** ҳайрон бўлмоқ, ҳайронликдан анграйиб қолмоқ. *У ҳайрат бармоғини тишлаб, ичидан зил кетиб юрганда, Сусанна унинг мушкулени осон қилди.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

**ҲАЙРАТБАХШ** [a+ф-т] айн. ҳайратомуз 1: *Ҳайратбахш бир ғайрат билан ишламоқ.* — Урмонсиз дийрнинг ўғиллари учун сон-саноксиз дарахтлар манзараси, айниқса, марокли, гўзал, ҳайратбахш туюлди. Ойбек, Қўёш қораймас.

**ҲАЙРАТЛАНМОҚ** Бирор нарсадан таажжубланмоқ, ҳайрон бўлмоқ, ажабланмоқ. *Қиз оҳиста қўлини бўшатди ва қоронғи кечада келган меҳмонга ҳайратланиб, қараб қўйди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади.* Ойбек, Қутлуғ қон,

**ҲАЙРАТЛАНТИРМОҚ** ҳайратлан-моқ фл. орт. н.

**ҲАЙРАТОМУЗ** [a+ф-т] Кишини ҳайратга соладиган, ҳайрон қолдирадиган, таажжублантирадиган. *Ҳаётимизда юз бераётган ҳайратомуз ўзгартирилди.* || Тоғда ўсган йиғитга шаҳар ҳаёти ҳайратомуз туюлди. Вали табиат қўли билан ясалган ҳайкалга ҳайратомуз тикилди. С. Кароматов, Тоғ гўзали.

**ҲАЙРОН** [a] Бирор кутилмаган, тушуниб бўлмайдиган, ажойиб, ғайритабиий нарса ёки ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб, таажжубланиб, ҳайратга тушган. *Ўзим ҳам ҳайронман, менад нима камчилик ўтди?* — *Эртаси кун бутун Марғилон деярли Маликбойнинг майдонида воқе бўлган ишга жуда ҳайрон эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Нима қилишни, нима дейишни билмай қолган, саросимага тушган; гаранг ва лол. *Қизлар билан гаплашишни билмайдиган содда йиғит, сўзни нимадан бошлашга ҳайрон эди.* Ойбек, Қўёш, қораймас. **Ҳайрон бўлмоқ** 1) таажжубланмоқ, ҳайратланмоқ. *Ҳамма ҳайрон бўлиб бир-бирига қаради.* П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) нима қиларини билмай ўйланиб қолмоқ, эсанкирамоқ. *Абдурасул ёрдамга кимни қақирини билмай, ҳайрон бўлиб турганда, бозор йўлидан бир отлик ўтиб қолбди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Ҳайрон қолмоқ** 1) таажжубга тушмоқ, ҳайронликда қолмоқ; саросимага тушмоқ. *Жаллод шунда дорга тортмоқ бўлади, Бу дор туҳматлардан ҳазар қилади. Дор йиқилади, жаллод ҳайрон қолади.* «Шири билан Шакар»; 2) қойил қолмоқ. *Унинг абжирлигига ҳамма ҳайрон қолар эди.*

**ҲАЙРОНЛИК** ҳайрон с. маъв. от. *Жувон сапчиб ўрнидан турди. Унинг ранги бир оз ўчган, кўзларида ҳайронлик ва қўрқув аломати бор эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинонор.

**ҲАЙРОНА** [a] поэт. айн. ҳайрон. *Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кунлар келмадинг, ҳайрона бўлдим соғиниб.* Ҳамза. У, бекнинг бежо кўзларига ҳайрона термилиб, бошидаги зангори духоба паранжисини секингина қўлга олди. Х. Ғулум, Машғал.

**ҲАЙТ** унд. с. 1 Ҳайвонларни қўзғаш, чўчитиш, ҳайдаш учун ишлатиладиган нидо. *Ҳайт деган тўяга мадад. Мақол.* — *Ҳайт деб Ҳасан мард Фирқўкни йўнатиб, сувлиқни чайнатиб, .. ҳа деб кетиб бораёттир.* «Равшан». *Бир бурчакка паҳса ёнига қисилиб ҳайт деса, резинка коптокдек сапчиб кетишга ҳозирланиб турган беш-олтита чўлоқ, бўғоз қўйлардан бошқа қолган саломат қўйлардан ҳам нишон йўқ эди.* Ф. Ғулум, Шум бола. [Болта:] *Хола, Сидиқжонинг ҳозир қолди, бир ҳайт деб юборинг, зора мадад бўлса.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2: **ҳайт деб** (ёки дея) айн. ҳайё-ҳай

деб қ. ҳайё-ҳай.— *Шошма. Аваал гапни эшит,— деди Тожибой.* — *Бир эрдан ёлчимадинг, бундан ҳам ёлчимайсан, келгинди, мусофир одам. Бир кун ҳайт дейди-ю, кетади-қолади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҲАЙТОВУР** 1 «Ҳар қалай», «ишқилиб», «нима, бўлса ҳам» «қандай бўлса ҳам» каби маъноларни ифодалайди. *Бунинг олдига чиқиб, широлга сўрайлик; мард бўлса, бировини берар, .. ҳайтовур, қуруқ қўймас.* «Ёдгор». Уғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўядик. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Яхшики, яхшиямки; ҳайрият, ҳайриятки. *Ҳайтовур, тўйимизга етиб келибсиз! Ҳайтовур, шу ерда экансиз!* — *Ҳайтовур, бир оғиз сўзсиз тўйғиз қўйибдир-ку!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Етиб еганга тоғ чидамайди. Ҳайтовур, дадам ёлчида шохи тўқини чала-чатти ўрганиб олган экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАЙТО-ҲАЙТ:** **ҳайто-ҳайт** деб айн. **ҳайё-ҳай** деб қ. **ҳайё-ҳай.** *Ҳайто-ҳайт деб, йўла равона бўйдилар.*

**ҲАЙТ-ҲУЙТ:** **ҳайт-ҳуйт** дегунча қисқа вақт ичида, кўз очиб юмгунча. *«Ҳайт-ҳуйт» дегунча ўзимизни иш-ҳарга кетадиган катта йўлнинг узасида кўрган эдик.* Ф. Ғулум, Шум бола.

**ҲАЙФ** [a] Бировга берилган, сарфланган нарса, ҳодиса, кимса ва ш.к.ни номуносиб деб билиш, ачиниш. *Ҳайфи келди. Ҳайф кетди. Ҳайф кўрмоқ.* — *Шоирлик уноони унга ҳайф.* *Кенжа ёш қаламларни [қаламкашларни] кўролмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳайф мактаб, ҳайф буларга сарф бўлган пул!* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Султонмурод қори Майнага кўз қирини ташлади-ю, ичи ачишди: Шундай ёш, чиройли қизга ҳайфинг келади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йиғит дарвозадан чиққунча ҳам маҳдумнинг кўзи «ҳайф кетган» абрас тўнда .. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Совет ҳукумати одамгарчиликдан чиққанларни одам қилиш учун ҳеч нарсани аямайди. Сиз бўласангиз, бензинни ҳайф кўриб юрибсиз.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ҲАЙФКИ(М)** [a+ф-т] кт. Афсус, аттанг. *Теша ёнидаги ўртоғига Саидийни кўрсатиб «ёзувчи бўлса тузуқ ёзувчи бўлар, ҳайфки бизнинг кишимиз эмас» дебди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАЙФСАН** Кимсага бирор гуноҳи ёки хатоси учун жазо сифатида расмий бериладиган танбех, жиддий огоҳлантириш; вилговор. *Ҳайфсан олмоқ. Ҳайфсан эълон қилмоқ.* — *Ҳали ҳайфсан оладиган бўлдик, деганингизда бир воқеа ёдимга тушиб қолди.* О. Носиров, Ҳайфсан.

**ҲАЙФСИНМОҚ** Кимса ёки нарсга раҳми келмоқ, унинг ҳолига ачинмоқ, афсусланмоқ. *Офтоб ойим қудасининг кетидан қизига ҳайфсиниб қўйди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Собир ота*



хайфсинаётгандек қилиб кулимсиради. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ХАЙЪАТ** [а] 1 Бирор вазифани ба-жаришга белгиланган, ажратилган ёки сайланган кишиларнинг бир груп-паси; состав. *Мажлис президиуми хайъати. Редакция хайъати.* — Энди бизлар дарвозабонлар хайъатига кирамиз. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. «Кавказ» отлиқларининг хайъатини ўн беш яшардан ўн саккиз яшаргача бўлган болалар ташкил қиладилар. Айний, Эсдалиқлар. **Хайъати риёсат** эск. мажлисни бошқарувчи президиум, президиум состави. *Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жўра батрак очди. Хайъати риёсатга Қаримов, Жўра, Қўноқ, Нодира хола ва Норбувлар сайланди.* Х. Шамс, Душман. **Хайъати таълимия** эск. ўқув юртининг педагогик совети. *Уни қўрқитиш керак, сизлар ҳозир мактабдан ҳайдашга қарор қилинглар, хайъати таълимияда ўзим олиб қоламан.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Хайъати тахририя** эск. редакция коллегия, редколлегия. *Янги журнал чиққан, шунга ҳам хайъати тахририя аъзоси қилиб тиқиб қўйишди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 эск. айн. астрономия. *Домла бу масалани [Ой тутилиши масаласини] менга хайъат фанида бўлгани каби, шарҳлаб тушунтирди.* Айний, Эсдалиқлар. **Илми хайъат** астрономия.

**Хайқиримок** хайқирмоқ *фл. бирг. н.* *Мирзиёд нарвон олдига хайқалдай қотиб турар экан, унинг кўз олдига икки нарса келди: бири — томда хайқиримок, чақиримок ўйнаётган болалар.* А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**Хайқирик** 1 Шодлик, ҳаяжон, ғазаб, азоб каби кучли туйғуларни ифодалайдиган қаттиқ овоз, нидо. «Урай» хайқириклари еру кўкни титратди. — Ёлгон! — Ғулможон даҳшатли бир хайқирик билан қичқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу дардли хайқирик Нигоранинг қулоғига етиб, юрагини ўйнатиб юборди. С. Анорбоев, Оқсой. | Бақирик-чақирик, шовқин-сурон. *Уч сар тарик, ўн сар хайқирик.* Мақол. — *Кўзғолончи халқнинг кин, қаҳри бир лаъза кучайди, хайқириги кўкни тутди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Хайвон тўдаларини хайдашда чиқариладиган қаттиқ овоз, қичқирик. *Қўйлар чўпонларнинг хайқириги билан қўдуқ томон юрди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Жонсиз нарсаларнинг шиддатли ҳаракатидан пайдо бўлган қаттиқ овози ҳақида. *Дарёнинг хайқириги. Паровознинг хайқириги. Хайқирик солмоқ.* — *Ҳамла қилган қўшин сингари Кумуш ёлми тўқиллар елар. Бўронларнинг хайқиригидан Нахимовнинг овози келар. Уйғун. Баҳорда у [сой] ҳамма ёққа хайқирик солиб оқади.* И. Шамшаров, Довруғ.

**Хайқирмоқ** 1 Шовқин-сурон солмоқ, бақирмоқ, Банди хайқириб, дод

дерди. Айний, Эсдалиқлар. *Ҳожи сўзини тугата олмади, ҳожининг терс сўзига чиқолмаган Азизбек ваҳшийларча хайқирди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Мирқосим қўлда қилч билан гузарга хайқириб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шиддатли ҳаракат туфайли қаттиқ овоз чиқармоқ; шовулламоқ, ғувулламоқ, гумбурламоқ. *Йўқ, узилмас, варрак учар кўкда хайқириб.* Ғ. Ғуллом. *Адирдан сойга тушаётган сел суви қаттиқ хайқирарди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бир томонда трактор Хайқирар, тинмас.* Ғайратий.

**Хайқирок** с. т. 1 Хайқиримга одатланган, шовқин-сурон соладиган, бақирок. *Хайқирок одам.*

2 Шиддатли ҳаракати туфайли қаттиқ овоз чиқарадиган, шовуллайдиган, ғувуллайдиган, гумбурлайдиган. *Хайқирок дарё.*

**Хай-Хай** хай с. тақр. *Хай-хай, бу узумларни қара-я! Сап-сарик олтинга ўхшайди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Қампирнинг хай-хайга қарамасдан эшикка чиқдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Дўппи тикиш енгил-а, хай-хай, палакнинг машаққати,* — деди Зумрад. Ойбек, Улуғ йўл. *Йўқ, дўстим, аввалда ҳам бундай ният йўқ эди, айниқса ҳозир, хай-хай!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Хай-хай солмоқ** шовқин-сурон кўтармоқ, хайқирмоқ, хайхайламоқ. *Етти маҳалладан ўтарли бақирикни эшитсан қўни-қўшилар саросимага тушиб, ким шам, ким пилта чироқ, ким фонус кўтаранчи хай-хай солиб, ёпирилиб келиб қолишди.* Н. Мақсудий, Лайлагулжадр.

**Хайхайламоқ** 1 Хайвон ва қушларни чўчитиш, хайдаш учун қичқирмоқ, турли овозлар чиқармоқ. *Марасулбува хайхайлаб боғдан чумчуқларни хайдар эди.* «Эртақлар». *Саялка хайдовчиларнинг отларга хайхайлаган овозлари эшитиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор ноҳўя иш-ҳаракатдан қайтишга даъват этиб бақирмоқ. *Абдурасул, Алимқул ва бошиқа активлар хайхайлаб юриб, муштлашганларни ажратиб қўйишга киришдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Марасул Насибани урмоқчи бўлганда Заргаров хайхайлаб қўймади.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. *Тарғилни ечаётсак, сўридан туриб буви хайхайлаб қолдилар.* А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**Хайхайлатмоқ** хайхайламоқ *фл. орт. н.*

**Хайхайлашмоқ** хайхайламоқ *фл. бирг. н.* *Отни бир четга чиқариб қўйдилар-да, араванинг ғилдирагидан хайхайлашиб татариб, балчиқдан чиқармоқчи бўлдилар.* Ойдин, Фонарь тағида.

**Хай-Хай-Хай** айн. хай-хай. [Муларўзи:] *Ҳа, ҳа, албатта! Бу бир асрори махфий-да. Хай-хай-хай! Дарвозаларни маҳкам қилинг.* Ҳамза, Май-

саранинг иши. *Кўприқдан ўтганимда: «Хай-хай-хай! Ой ҳеч бир колхозда бундай чиройлик чиқмайди!» — деган товушни эшитиб қолдим.* Қарасам, Раҳматилла домла. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**Хайхот** унд. с. Бирор кўнгилсиз ҳодисадан нолиш, афсусланишни ифодаловчи хитоб. *Хайхот бирор осуда дам йўқ. Кўнгул йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Ёвуз тақдир тиг урди қалбима, дод! Нетай энди тузалди сабрим, хайхот!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Хайхотдай**, =дек с. т. Бўш, хувиллаган; жуда катта, жуда кенг; бепоён. *Шамол боягидан кучайиб, .. хайхотдай ҳовлида ёлғиз қолган кампирнинг юрагига баттар ғулғула соларди.* Р. Файзий, Эл меҳри. *Акрамжон қуруқ балога йўлиқди-қолди.* Ундан қутулишининг йўлини қидирди. *Ўзини машинадан ташласинми? Шу хайхотдек чўлда-я?* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**Хай-Хув:** хай-хув қилмоқ шодлик, ғазаб каби кучли ҳис-ҳаяжонларни ифодалаб турли овозлар чиқармоқ. *Бир кунги Ҳиндистон парламенти биноси ёнида одамлар хай-хув қилиб, байроқ кўтариб турарди.* Х. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

**Ҳақалак:** ҳақалак отмоқ бир оёқлаб иргиб-ирғиб юрмоқ. *Сеғар бир оёқда ҳақалак отди, лайлак бўлиб учди.* С. Абдуқаҳҳор, Қўзлар. **Нафис** ҳақалак отди бирор нарсани жуда егисин, ичкиси келди, ичиш, ейшдан ўзини тўхтатолмади. *Эгов ва бошиқа бир қанча товарларга ҳам мудирнинг ҳақалак отган нафисга жавоб берадиган даражада устама нарх қўйилди.* А. Тўлаганқўжаев, Чигирткалар.

**ҲАКАМ** [а] 1 Тарафлар ўртасидаги келишимовчиликни, жанжални судсиз бартараф этувчи, келиштирувчи ҳолис воситачи; арбитр.

2 Спорт, шунингдек санъат мусобақасида қатнашганларнинг маҳоратига баҳо берувчи судья.

**ҲАКАМЛИК** ҳакам с. касб оти. *Ҳакамлик қилмоқ.*

**ҲАҚАЧАКЛАМОҚ** диал. Ҳақалламоқ. *Қудрат оёгининг оғригини сездирмасликка тиришиб, қайрагон тағига ҳақачаклаб борди.* Х. Назир, Сўнмас чамқоқлар.

**ҲАКИМ** [а] 1 Ўткир табиб; врач, доктор. *Падарнинг .. ваҳималари зўрайиб, ўзлари ҳакимга югуриб кетдилар.* Жулқунбой, Қалвак маҳзум. *Шу касалга чалинганимда, бир ҳакимга бордим.* У томиримни ушлаб: «Сизники косиб касали, далага чиқинг..», — деди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Донишманд, файласуф. — *Бир замонда, — деди дадам, — Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ҳаким (эркаклар исми).

**ҲАКИМА** [а] 1 Аёл ҳаким, табиб; врач, доктор. *Сайёра Ҳақназаровани*

бекорга мақтамайдилар, бекорга табриклаб олқишламайдилар, бекорга шифокор, қўли энгил ҳақима деб атамайдилар. Қ. Исмолов, Шифокор — санъаткор.

2 Ҳакима (хотин-қизлар исми).

**ҲАКИМЛИК** ҳаким 1, 2 с. мавҳ. от. **ҲАККА** айн. зағизгон. Отинойи уни [Элмуродни] қидириб, ташиқарига чиқди. Шум ҳақкадай шақиллаб чақирди. П. Турсун, Ғайтувчи.

◆ **Ҳакка** уйғонмасдан эрта тонгда, барвақт. Абдусамад ҳар кун эрта билан, ҳакка уйғонмасдан, кўчага отилар эди. Ойбек, Навоий.

**ҲАККА-ДУККА** айн. ҳаккам-дуккам.

**ҲАККАЛАК** айн. ҳақалак.

**ҲАККАЛАМОҚ** 1 Бир оёқ билан (одам) ёки уч оёқлаб (хайвон) сакраб-сакраб юрмоқ.— *Қўлтиқтаёқ тутган касаллар ҳаккалаб ҳар томонга қочар, аяқли товушлар иштиллар эди,— деди Аҳмаджон. А. Мухтор; Давр менинг тақдиримда. Нормат бор кучини ўнг оёғига тўплаб, ҳаккалаб юрди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қўзи бечора уч оёқлаб ҳаккалаб, жон-жаҳди билан мағрайди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 *кўчма* Текис юрмай, ирғиб-ирғиб, сакраб-сакраб юрмоқ. [Ражаббойнинг] машинаси текис йўлдаги сингари равон юрмади, эгат, ўйдим-чуқурларда қалқиб, ҳаккалаб кетаверди. И. Шамшаров, Довруғ. Нотекис жойда ҳаккалаб тупроқ тўзитиб бораётган мотоцикл тўсатдан тошга урилиб бир чеккага қайрилди. И. Раҳим, Ихлос.

**ҲАККАЛАТМОҚ** ҳаккаламоқ фл. орт. н. Табелчи ўлчов ёғочини ҳаккалатганча эгат ичидан юриб борар, дафтарчасига ёзар .. эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ҲАККАЛАШМОҚ** ҳаккаламоқ фл. бирг. н. Болалар ҳаккалашиб ўйнар эдилар.

**ҲАККАМ-ДУККАМ** с. т. Унда-бунда, якка-дукка, жуда сийрак. *Ҳаккам-дуккам дарахтлар. || Экилган уруғлар ҳаккам-дуккам чиқди. — Адирлар бағридаги харсанг тошдан қурилган ҳаккам-дуккам иморатлар худди бир-бирига мингашиб кетгандай эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Текис шудгора сеяллага оҳақ солиб «экилган» эди. Оҳақ ҳаккам-дуккам, қатори қий-шиқ, ораси ола-була. И. Раҳим, Ихлос.*

**ҲАККАР:** ҳаккар кавуш эск. ёғоч кавуш. Маҳалла сўфиси нималардир деб гуриллаб, ҳаккар кавушини дўққиллатганча уларнинг ёнидан ўтиб кетди. С. Зуннунова, Гулжан.

**ҲАККОК** [а] Қимматли тошларни ўйиб, тарошлаб, пардоз берувчи уста.

**ҲАКЛАМОҚ** айн. ҳатламоқ. Сорахон унинг устидан ҳақлаб ўтиб кетди. А. Қажҳор, Сароб. Эргаш ака «Победа» ҳақлаб бораётган асфальт лентадан кўз узмайди. Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

**ҲАКЛАТМОҚ** ҳакламоқ фл. орт. н.

**ҲАЛ** I [а] Бартараф қилинган, бир

ёқли этилган; нима қилиш лозимлиги аниқланган (жанжалли ёки чигал бир ҳаётий масала ҳақида). *Масала ҳал. Ташкилий масалалар ҳал қилинди. Ҳал бўлган энг қийин арифметик масала. Ҳал қилмоқ (этноқ).* — *Мажлис анча қизиқ бўлди. Одатда кўп масалалар раис билан секретарь ўртасида ҳал бўлиб кета берар эди. П. Турсун, Ғайтувчи. Сен ҳал этдинг ва ечилди Зўр асрий орзу. Ғайратий.*

◆ **Ҳал қилувчи** кимса ёки нарсанинг тақдирига катта таъсир кўрсата оладиган, келажagini белгилай оладиган; катта аҳамиятга эга бўлган; энг муҳим. [Шумилов:] *Ердан бериш керак. Вокзал ҳал қилувчи аҳамиятга эга!* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ҲАЛ II** [а] Тилла, кумуш ёки бронза кукундан ясалган бўёқ. *Деҳида масжид ва мезаналар керагидан ортиқча ҳалларини, кошинларини, нақилларини қаердадир кўрандаймиз. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. Қирралари ўйма нақили, Тепасида юлдузи ҳалдай. Э. Раҳим.*

**ҲАЛЖАК** [а] Толиққан, қийналган, азобланган; овора, қарсон.— *Кунимиз қурсин, Жумагул. Сен ҳам ҳалак, мен ҳам,— деди чол нурсиз кўларидан оққан ёшини артиб. Ж. Шарипов, Хоразм. Бирови айтди: .. жам бўлади-ган ернинг тайинини билмасак, кўчиб ҳалак бўлмайлик. «Ёдгор». Излаб кеп [келиб] топмадим эмикдошимни, Ҳалак қилдим мен қирқта йўлдошимни. «Ширин билан Шакар».*

◆ **Жони ҳалак** бирор ишни бажариш учун астойдил тиришади, куйиб-пишиб ҳаракат қилади, бирор нарса ҳақида ташвиш тортади. *Эрталаб нонуштангизни, кечкурун овқатингизни тайёрлайман, деб жоним ҳалак. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.*

**ҲАЛВО** айн. ҳолва. «Ҳалво» деган билан оғиз чумилайди. Мақол. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар. Мақол. Бу (ҳали) ҳалво ҳали ҳеч гап эмас, чидаса бўлади. Қор кетган бўлса ҳам, ҳали захри бор. Бу-ку, ҳалво. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ҲАЛВОГАР** айн. ҳолвагар. [Улар] асаба тегадиган болгачи садосидан тезроқ узоқлашиш учун ҳалвогар расатасига бурилиб, қозон бозори орқали поякиликка ўтиб кетдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ҲАЛВОЙТАР** айн. ҳолвайтар. Қўшнилардан бир хотин менга тут майздан ҳалвойтар пиширишни ўргатди. Айний, Эсдаликлар.

**ҲАЛДОР** [а+ф+т] Ҳал билан бўялган, ҳал берилган. *Залнинг тўрида, кичкина ҳалдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида .. қизил духобадан кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ҲАЛИ** рвш I Бундан бир оз илгари, яқиндагина.— *Қачон келдинг?— Ҳали келдим. Ҳали шу ерда эди. Ҳали келиб кетган эди.* — *Уйларингда ким бор?*

— *Ҳали кирганимда дадам билан Йўчи акам бор эди. Ойбек, Кутлуғ қон.*

2 *Кўп вақт ўтмасдан, яқин орада. Ҳали ёмғир тинган, кўчага чиқамиз.*

3 *Ҳозирги пайтда, ҳозирча. Тонг отишига ҳали вақт эрта. — Тақсирим бўлсангиз ҳам ҳали ёшисиз-да,— деб кулди Сафар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқишом сукунати чўзилган. Ойбек, Кутлуғ қон.*

4 *Яна, тагин. Ҳали гапим кўп. Мажлисга ҳали вақт бор. — Ҳали Тошкентда кўп ажойиб ишларни кўрасан йигитча! Ойбек, Кутлуғ қон.*

5 *Шу вақтга қадар, ҳозиргача, ҳамон. Кумушни ахтаришар эдилар. Кумуш ҳали ичкарига кирган эмас. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳали ҳам шу вақтга довур, ҳалигача.— Узимиз ҳам етимваччалар орасида кўп чидам билан ўқидикда-а? Қайси бирини кўрмай, ҳали ҳам соғуғим ошади,— деди Арабой. П. Турсун, Ғайтувчи.*

6 *Кириш сўз вазифасида келиб, «демак» маъносини ифодалайди. Ҳали гап шунча денг? — [Домла:] Сиз ҳали, ўша, менинг ишигимдан қочган аблаҳми? П. Турсун, Ғайтувчи.*

7 *Айирувчи боғловчи вазифасида келиб, «гоҳ ... гоҳ», «дам ... дам» маъноларини ифодалайди. Ҳали унда, ҳали бунда. — Ойимхон ҳам ўртага тушиб, ўз биланчича йўғралай бошлади. Уйиш-кулгини қизитиш учун, ҳали уни, ҳали буни ўйинга тортарди. П. Турсун, Ғайтувчи.*

**ҲАЛИ-БЕРИ** рвш Инкор формасидаги феъл билан қўлланилиб, «яқин келажакда», «яқин вақт ичида», «тез орада», «яқинда», «тезда» каби маъноларни англатади. *У ҳали-бери келадиганга ўхшамайди. Ҳали-бери тонг отмайди, шекилли. — Тўғриси, Марҳаматнинг ўзига қолса ҳам ҳали-бери қайтгиси йўқ эди-я, фақат ҳавонинг ўзгаргани уни ўйлатиб қўйди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Вой, мен ҳали-бери келмайди деб ўйлаган эдим. Ойпошша бир илож қилинг! Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

**ҲАЛИГАЧА** рвш Шу пайтгача, ҳозиргача, ҳамон, ҳали ҳам. *Ҳалигача идора очилмапти-я! — Олимжондан ҳалигача дарак йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ҲАЛИГИ** олим I Бундан сал илгари тилга олинган, келиб кетган ёки кўринган кимса ёки нарса ўрнида ишлатилади; боғия, ўша. *Ҳалиги нарса жойида турибдими? Ҳалиги машина кимники? Ҳалиги келган ким эди? — Сўзини давом эттирди ҳалиги мардикор. Ойбек, Кутлуғ қон. Ҳалиги киши сенга атаб даданга бир хат берди-ку, билмадингми? А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 *Оти тилга (эста) келмаган кимса ёки нарса ҳақида сўзлаганда уни хаёлга келтириш ёки эслатиш учун ишлатилади. Даладан қайтаётсам, ҳалиги, отини эсдан чиқардим, анави Тош-*

темирнинг тоғаси дуч келди. — Халиги, оти курсин ... Маликбойнинг майдонида-да! А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ХАЛИГИДАЙ**, —дек Бундан сал илгари бўлиб ўтган, кўрилган ёки айтилган кимса, нарса, ҳодиса сингари, бояғидай; яқиндагина юз бергандай; ўшандай. Халигидай шилқимларни жиним суймайди. Халигидай гапларни гапирмагин! Фронтдаги воқеалар халигидай ёдимда. — Шу бугун кечқурун халигидай диққат бўлиб ўтирганида яна Латофатхон эсига тушиб бир фикрга келди. А. Қаҳҳор, Қўқ кон-верт.

**ХАЛИГИДАҚА** с. т. Халигидай. Халигидақа гаплар. Халигидақа ишлар. Халигидақа одамлар.

**ХАЛИГИДАҚАНГИ** с. т. Халигидай. Халигидақанги гаплар. Халигидақанги ишлардан ўзини торт.

**ХАЛИГИНА** рвш Бундан сал олдин, яқиндагина. Халигина келиб кетди.

**ХАЛИДАН-ХАЛИ** Ҳа деганда, ҳа деб, ҳар доим, тез-тез. Бу оишилар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва оишқиси бағишлаган бўлсалар, бу гал уни нафратлантирадилар, бормай қайтиши фикри халидан-хали кўнглига келиб туради. А. Қодирӣ, Утган кунлар. — Халидан-хали Муроджон кўз ўнгимдан ўтар, аммо бугун келмаслигига ва мен билан учрашмаслигига қатъий ишонар эдим,— деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

**ХАЛИЗАМОН** рвш, с. т. Кўп вақт ўтмасдан, тез орада, сал вақт ичида. У хализамон келиб қолади. — Бу-лутларнинг ҳаракати бежо. Хализамон тепамиздан челақлаб қуйиб берса ҳам эҳтимол. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Булут орасидан чиққан ой хализамон босмачилар турган тепаликни сутдек ёритди. С. Азимов, Иккинчи фасл.

**ХАЛИЙДАҚА** с. т. Халигидай. — Мен аввали бу хатни биронта кизданми, деган эдим. Аммо, халийдақа одам тушунмайдиган гаплар битилганига бошим қотиб қолди,— деди Норбуви. Ҳ. Шамс, Душман.

**ХАЛИМ** [а] 1 Сувга бўғдой ёрмаси ва гўшт солиб, узоқ (ҳил-ҳил бўлиб кетгунча) қайнатиб пиширайдиган қуюқ овқат.— Ҳазратойимнинг даҳалари бўлди. Чунонам басават, чунонам гавжум бўлдики, дошқозонда халим улашдилар,— деди Анзират. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Қаттиқ эмас, юмшоқ. Гўшт қайнайвери халим бўлиб кетибди. — Воҳидларнинг қишлоғида бошқа ерларда жуда кам учрайдиган халим ва ширин олма бор. О. Ёкубов, Тилла узук.

3 кўчма Кишига қаттиқ ботмайдиган, мулоим, ёқимли, ювош. Халим муомала. — Сув тепасида одамлар ўт бўлиб ёнади, бошқа вақтларда энг сокин, энг халим одамлар, сув бошида жанжал чиқса, сўз ва далил ўрнига

мушт билан, кетмон кўтариш билан иш кўришга тиришадилар. Ойбек, Кутлуғ қон. Бир-икки дақиқа сукутдан сўнг Саидахмадхон сунғий табассум, халим овоз билан сўз бошлади. Ойбек, Улуғ йўл. || Ҳар гапидан, ҳаракатидан гурур акс этади. Муомалада халим. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Халим (эркаклар исми). **ХАЛИМДАЙ**, —дек Юмшоқ, мулоим, ёқимли. Халимдай қиз.

**ХАЛИМХОНА** [а+ф-т] Халим пишириладиган ва улашиладиган жой. Халимхона у ерда-ю, зикирхона бу ерда. Мақол.

**ХАЛИНЧАК** айн. ҳайинчак. Бир текис ғўзалар улкан ипак гиламдек жилваланар, гилам устида олтин ҳалинчак солиб учаетган кўёш нури оқ-ҳарир, сариқ, пушти, сафсар гулларни бир-бир ўпиб, яна парвоз қиларди. Й. Шамшаров, Қахрамоннинг йўли.

**ХАЛИТДАН** рвш Шу вақтдан бошлаб, ҳозирдан бошлаб; ҳозирданок. Сен халитдан қўриқиб, юрагинг ёрилиб, ҳар нима даявернинг, нима бало бўлди? «Равшан». Уруш тезда тугайди ми ёки Абдулла ҳам аскар ёшига етиб, ҳозирги йигитлар сингари армияга, урушга кетадими? Шу савол халитдан Кумрининг бошини қотиради. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ХАЛИ-ХАЛИ** Шу вақтгача, шу вақтга қадар, то ҳозиргача, ҳамон, халигача. Хали-хали эсласам вужудим зирқирайди. Уруш лаҳзалари хали-хали кўз ўнгимда. — [Обиджонни] косовни олиб қувшишга қувдим, хали-хали ичим ачийди: бола бечора нима гуноҳ қилипти? А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ХАЛЛАМОҚ** Ҳал билан бўямоқ, безамоқ.

**ХАЛЛИ** Ҳал берилган, ҳал билан ялтиратилган. Олтин ҳалли курси. Қумуш ҳалли безаклар.

**ХАЛЛЮС**: ҳаллос урмоқ ёна. ҳаллосламоқ. Қўйқор пешанаси, ёноқлари, кекирдаги муздай сўвда ювингандай шалаббо бўлиб, ҳаллос уриб лўкиллаб югурди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАЛЛОСЛАМОҚ** Тез ва кўп ҳаракат қилиш (мас. югуриш) туфайли юраги дуқиллаб, оғир нафас олмоқ, ҳансирамоқ. Қараса, бир кампир ҳаллослаб келаётибди. «Равшан». Узоқдан бир бўри ҳаллослаб, югуриб келар эди. «Эртақлар». Шу чоғ ёнбош кўчадан итини юуртирганча, ҳаллослаб Раҳим чиқиб қолади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ХАЛЛОСЛАТМОҚ** ҳаллосламоқ фл. ерт. н. — Мени сув ташишга ўтказишди: ҳаллослатиб қўйяпти.— деди қария Аҳмаджонга. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ХАЛЛОСЛАШМОҚ** ҳаллосламоқ фл. бирг. н. Хотинлар йиғлашиб, ҳаллослашиб келиб, бири у, бири бу отининг оёғига ўзини ташлабди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАЛОВАТ** [а] 1 Қаноат ва мамнунлик туфайли инсонда пайдо бўладиган

хиссиёт, лаззат, завқ, роҳат, фароғат. Меҳнат ҳаловат келтиради. Бу йилги отпусканинг ҳеч ҳаловати бўлмади. — На уйқуда ҳаловат ва на турмушда роҳат. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Турмуш бой, завқ-шавқли, сафоли эди. Одамлар тинч ва ҳаловатда яшар эдилар. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Осойишталик, тинчлик; сокинлик. Шу сокин кечанинг ҳаловатини бузиб, бировларнинг уйида — қўргониди ўрмалашиб юрган бу йигит ким экан-а? Ғ. Ғулом, Соялар. Жаббор полвон полга жой солиб ётди. У тинчиб кўз юнди-ю, Жуман ухлай олмади. Негадир, ҳаловати қочган эди. А. Мухтор, Тўғилиш.

**ХАЛОВАТЛИ** 1 Роҳат ва фароғат бағишлайдиган; лаззатли. Ҳаловатли ҳаёт.

2 Осойишта, тинч; сокин. Ҳаловатли тун.

**ХАЛОВАТСИЗ** 1 Роҳат ва фароғати йўқ; лаззатсиз. Ҳаловатсиз ҳаёт.

2 Осойишталик ҳукм сурмайдиган; нотинч, ташвишли. Ҳаловатсиз тун.

**ХАЛОВАТСИЗЛИК** ҳаловатсиз с. белги оти. Домланинг оилавий ҳаловатсизлиги ҳасрат қиларлик даражага етганлигидан Аббосхон чўчиди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХАЛОҚ** [а]: ҳалок бўлмоқ 1) фожиали равишда ўлмоқ. Зокирнинг отаси бир йил олдин урушда ҳалок бўлган. П. Қодиров, Уч илди; 2) бахтсиз ҳодисага, ҳалокатга учраб нобуд бўлмоқ. Кема ҳалок бўлди. Ҳалок қилмоқ ўлдирмоқ. Норбўтабек сизни ҳам отамай ҳалок қилади. Ғ. Расул, Адолат.

**ХАЛОҚАТ** [а] 1 Фожиали ўлим, қирйиш. [Петка] ўзича ўт очган ва шу билан бутун бир взводнинг ҳалокатига сабаб бўлган бир пулемётчи тўғрисида ҳам сўзлаб берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Унинг бу ғайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, уста Мўминжон исмли бир милитч устасининг отган йўқи билан кўкрагидан яраланиб йиқилди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Урилиш ёки бирор нуқсонни туфайли бузилиш натижасида вайрон бўлиш, катта фалокат, кўнгилсиз ҳодиса. Автобус ҳалокати. Поезд ҳалокати. Самолёт ҳалокати.

3 Тағ-томир билан емирилиш, барбод бўлиш. Мустанлакачилик системасининг ҳалокати.

4 Катта кулфат, офат. Ҳалокат олдиди турмоқ. — Бу эса одамларни қийнаши, ҳалокатларга сабаб бўлиши, эҳтимол. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Қаёққа кетамиз, тақсир?— Бобоқул ҳалокат оғзида қолган кишидай Махсумга умид билан тикилди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАЛОҚАТЛИ** 1 Ҳалокатга, кўнгилсиз ҳодисага олиб борадиган; емириб, йўқ қилиб юборадиган. Гапнинг хулласи — Урта Осий шароитида меринослар учун ҳалокатли бўлган заиф-

ликлар бартараф этилар эди. С. Аноров, Оксой.

2 Эмирилишга, барбод бўлишга олиб борадиган; офат келтирадиган.— *Ғоянгиз нима?— Исониятнинг капитализмнинг ҳақоқати чуқурдан олиб чиқиши — коммунизм. А. Қаҳҳор, Са-роб.*

**ХАЛОЛ** [а] 1 дин. Шарият ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас. *Эшакнинг кучи ҳалол, ғийти ҳаром. Мақол.* — *Анда тавонгар сўрадики, бировга ҳалол ва бировга ҳаром таом бўлурму деб. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.*

2 кўча Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешана тери тўкиб топилган. *Ҳалол овқат. Ҳалол пул. Ҳалол иш — лаззатли емиш. Мақол.* — *Ўз меҳнатиндан бино бўлган ҳалол молнинг экан. Моллар жафо торган меҳнаткашички, — деди Давлатёр. П. Турсун, Ҳўқитувчи. [Ҳўжайиннинг нонини ҳалол қилиб ейман десанг, бу иш пешинга ҳам етмайди. Айний, Дохунда. Бундай ширин олма-лар Ҳўз боғида етилди. Яшнаб ўссин деб улар, Ҳалол меҳнат этилди. З. Дибёр.*

3 кўча Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлга бормаидиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил. *Ҳалол киши. || Ҳалол ишламоқ. Ҳалол яшамоқ.* — *Қолхоз раиси умри етимлик билан ўтган ҳалол одам. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Зарагов:] Бечора Оқила ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон аёл. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Кун бўйи ишлашиб ҳалол, Пешанадан тўкиб терларни, Сўне ўтириб дам олар хуш-ҳол Химзаовнинг аёл-эрлари. Х. Са-лоҳ.*

4 Никоҳлаб олинган, қонуний (хотин ҳақида). [*Қодиржон:*] *Мен бўлсам, ўқиган, турмушга тушунган ҳалол рафиқа истаган кишиман. Ҳамза, Қим ўғри. || Ҳўзининг бир эмас, иккита хотини бўла туриб, тагин бир йигитнинг ҳалоллига кўз олайтириш. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.*

**ХАЛОЛА** [а] 1 Эрига хиёнат қилмайдиган, ҳалол хотин.

2 Никоҳлаб олинган, қонуний хотин.

**ХАЛОЛИ** Никоҳли эр-хотиндан туғилган бола, қонуний фарзанд.

**ХАЛОЛЛАМОҚ** 1 дин. Ҳалол қилмоқ, шарият қонун-қонидасига мувофиқ еса-ичса бўладиган қилмоқ.

2 кўча Ҳўзининг бирор нарсага содиқлигини амалда кўрсатмоқ; оқламоқ. *Еган тузинени ҳалолла! — Инсоф ҳам керак-да! Нонни ҳалоллаб ейиш керак. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. Урушда ҳам ўғлим сўтимни ҳалоллабди. Болаларимдан розиман. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.*

◆ **Қўлини ҳалолламоқ** хатна қилдирмоқ.

**ХАЛОЛЛАТМОҚ** ҳалолламоқ *фл. орт. н.*

**ХАЛОЛЛИК** 1 ҳалол 1 с. белги *оти.* 2 Виждон билан, инсоф юзасидан иш тутиш; тўғрилик, софлик. *Сўбсат-да ҳалоллик — кучлилиқнинг натижасидир, мунофиқлик — кучсизлиқнинг натижасидир. В. И. Ленин, Мунозарага оид заметкалар. Иван Василч комбатнинг лаёқати, маҳаллий шароитни чуқур билишини ҳурматлар, унинг ҳушфеъллигини, ҳалоллигини ёқтирарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

3 Эрга ёки хотинга хиёнат қилмаслик; вафодорлик.

**ХАЛОЛХўР** [а+ф-т] Ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилувчи, кишиларни алдамасдан яшовчи, нонини оқлаб еювчи. *Ҳаромхўрларга биз доим кушанда, Ҳалолхўрларга ёр муштумчилармиз. С. Абдулла. || Тогошага чиққан жами фуқаро, Ҳалолхўр хизматқор, деҳқон, бечора. «Хушкелди».*

**ХАЛП:** жон ҳалпиде жон ҳолатда, нафаси оғзига тиқилиб, ҳаллослаб. *Майна энди орқадаги қизил вагонга юк ташиётганларга қарарди. Юкчилар зарбардаст елкаларини букиб, жон ҳалпиде олдинга интилишади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ХАЛП-ЗАЛП** 1 Оғир меҳнатдан ҳарсиллаш, ҳаллослаш.

2 кўча Жонбозлик билан астойдил меҳнат қилиш. *Усти ўраб ташланган пахта бунтлари баланд деворлар оша ёнма-ён қад кўтариб турарди: озмунча ҳалп-залпнинг мевасими булар! Й. Шамшаров, Довруғ.*

**ХАЛПИЛЛАМОҚ** 1 Кенглигидан киши қаддига салқи келиб, осилиб турмоқ (кийин ҳақида). *Ҳар қадамда дастурхон, қанор қондай ҳалпиллаган кўк кўйлаги шох-шаббаларга илинавери-б безор қилди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Лапанглаб елмоқ; селкилламоқ. *Арслонқул ҳовлиқиб, ҳалпиллаб уйга қайтди. Ойбек, Навоий. Уйдан боланинг бўғиқ чинқириғи эшитилиб, хотин ҳалпиллаганича уйда юзурди. С. Абдулла, Обруйим тўкилади.*

◆ **Ҳалпиллаган одам** бесўнақай, қўпол одам.

**ХАЛПИНЧОҚ** *диал.* Ҳайинчак. *Қалдирғоч мастон юз ўн еттига кириб эди, алпинчоқ, солпинчоқ, таққани эшакмунчоқ, ўйнагани кўгирчоқ, учгани ҳалпинчоқ. «Хушкелди».*

**ХАЛП-ХАЛП:** ҳалп-ҳалп қилмоқ *айн.* ҳалпилламоқ.

**ХАЛФАНА** [а+ф-т] Шерикчиликка масаллик тўплаб тайёрланган овқат.— *Ҳалфанага палов қилмоқчи бўлдиқ .. Хуснибий ошпаз бўладиган бўлди, — деди Шум бола. Ф. Ғулум, Шум бола.*

**ХАЛФАНАЧИ** Ҳалфана қатнашчиси.— *Ёғ эриб оққан, туҳум синган бўлганидан, ҳалфаначи ўртоқларимнинг олдига боришдан маъно чиқмас эди, — деди Шум бола. Ф. Ғулум, Шум бола.*

**ХАЛҚ** [а] *эск. айн.* ҳалқум.

**ХАЛҚА** [а] 1 Металлдан эгиб, икки учини бир-бирига қўшиб ясаладиган доира шаклидаги буюм. *Темир ҳалқа. Занжир ҳалқаси. Кишан ҳалқаси. Эшик ҳалқаси.* — *Улар [бандилар] оддий кийим кийганлари ҳолда, қўлларининг уч жойида темир ҳалқа ўтказилган. Айний, Эсдалиқлар. Дарвоза очилмади, Ибодилла унинг ҳалқасини уриб тақирлата бошлади. Х. Ғулум, Машъал.*

2 Доира шаклида ясалган, қулоққа тақиладиган безак буюми; исирга. [*Кумуш*] .. *кичкина олтин ҳалқани қутидан олиб, қулогига тақди. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.*

3 Доира шаклидаги нарса, гардиш. *Унинг оғзидан тутун ҳалқалари учмоқда.*

4 кўча Айрим нарсаларни ўзаро боғловчи, улар орасида алоқа ўрнатувчи восита. *Саноатнинг капитализм шаклларига кириб ривожланиши учун мануфактуранинг катта аҳамияти бор, чунки мануфактура .. майда товар ишлаб чиқаришни ҳамда машиналашган йирик индустрияни [фабрикани] бир-бирига боғлайдиган ҳалқадир. В. И. Ленин, Россияда капитализмнинг тараққийси. Икки жинснинг бир ёстиққа бош қўйиши .. ўтмиш ва келажак насли бир-бирига боғлайдиган ҳалқа вужудга келтиради ва бу ҳалқа вужудга келтирадиган ҳар икки томон ҳам ўзини ўз жинсининг энг мукаммали деб билади, А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

5 кўча Бирор бутунлиқни ташкил этувчи бўлақлардан бири. *Уруш жаҳон империализми занжирида энг заиф ҳалқа бўлган қолақ Россияга, айниқса, оғир таъсир кўрсатди. «КПСС тарихи». У [Сергей] терговни ўзи олиб борган бўлса ҳам, айбонмини бошқанинг оғзидан эшитишда жиноятлар ҳалқаси кўзига яна ҳам муҳимроқ кўрунди. Х. Ғулум, Машъал.*

6 кўча Куршов, ўров. *Қаттиқ жангдан кейин саккиз кишидан айрилиб, уларнинг ҳалқасини ёриб чиқа олдиқ. О. Ёқубов, Ота узидан. Душман ҳалқасини ёриб ўтиш учун бўлган жанг бир неча соат давом этди. А. Раҳмат, Мардлар марди.*

7 кўча Маълум кишилар тўдаси; давра, жамоа.— *Қаландарлар ҳалқасига қабул қилинган соатдан бошлаб, ҳушимни йўқотган эдим, — деди Шум бола. Ф. Ғулум, Шум бола.*

**ХАЛҚАЛАМОҚ** 1 Ҳалқа ўрнатмоқ, ҳалқа солмоқ. *Дарвозани ҳалқаламоқ. Қуш оёқларини ҳалқаламоқ.*

2 кўча Ҳалқа шаклига келтирмоқ. *Арқонни ҳалқаламоқ.*

**ХАЛҚАЛАНМОҚ** 1 ҳалқаламоқ *фл. ўзл. ва мажъ. н.* *Қушлар таъриба учун ҳалқаланади. — Ҳалқаланар трубкада тутунлар, Уйғоқ кўзлар бахтимизни ўйлайди. Шайхзода.*

2 Пайдо бўлмоқ, уйрулмоқ, келмоқ, тўпланмоқ (кўз ёши ҳақида). *«Парти-войнинг қизи, илоим айтганинг кел-*

син, кам бўлма», — отанинг кўзларида ёш халқаланди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**ХАЛҚА-ХАЛҚА** I Халқа шаклида, бўлак-бўлак, парча-парча. «Универсал» эса халқа-халқа кўк тутун чиқариб, гулдурос билан тонг сукутини бузар, .. бир зумда кўздан ғойиб бўлар эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. [Соё] ўз йўлида учраган ҳайбатли тошиларга зарб билан урилиб, чақмоқ чаққандай қирғоққа халқа-халқа кўпик сочмоқда. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Адолат ариқча сувининг халқа-халқа бўлиб ашула айтиб оқишига тиклиб турди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўп миқдорда пайдо бўлиб, шода-шода тизилиб (кўз ёши ҳақида). *Зўр карвон йўлида етим бўтадек, Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.* Ғ. Ғулом.

**ХАЛҚУМ** [a] I Овқат йўлининг юқори қисми; кекирдақ; бўғиз. *Мастон-биби ҳўплаган чойни халқумидан ўтказолмади.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Гоҳ Эраш, гоҳ Ойил халқумигача сувга ётиб, қўл сигадиған ҳар бир тешикни тинтишайди.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 *кўчма* Отадиган қуролнинг ичи, оғзи; оғиз. *Қайси бир она фарзанди кўксини замбаракнинг оловли халқумига тутиб беради.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

◆ **ЖОНИ** халқумига келди қ. жон I.

**ХАМ** I [ф-т] I биркт. боғл. Гап таркибида келиб, тенг қийматли икки гап бўлагани ёки икки содда гапни бир-бирига боғлайди. *Иш битди ҳам ош пишиди.* — *Битибдур беш равот ҳам учта ҳаммом.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдай тез учади, ҳам ўзи дилкаш йигит.* Ишн пухта қилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 биркт. боғл. Икки ва ундан ортиқ бир хил гап бўлаклари ёки содда гаплар билан такрорланиб, уларни таъкидлайди ва санаш оханги билан боғлайди. *Боғимизда олма ҳам, узум ҳам, анор ҳам пишиди. У ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Бир товۇққа ҳам сўв керак, ҳам дон керак.* Мақол. — *Тийин ҳам пул, юз минг ҳам пул.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *тўсиқсиз* боғл. Шарт феъл билан боғланиб келиб, ундан англашилган маъно бирор иш-ҳаракатнинг бўлиши учун монё бўлолмаслигини англатади. *Сен келмасанг ҳам, мен боравераман.* — *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундўзнинг ёруғлиги ҳали талмон сўнмаган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *юклама* вазифасида Бирор гап бўлагидан кейин келиб, уни таъкидлаш ёки маънони кучайтириш учун хизмат қилади. *Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Шу ҳам иш бўлди ми? Бу ботинка оғимга сира ҳам сиймайди.* У опа-сига ҳеч ҳам ўхшайди. — *Ўша Исқандар Зулқарнайн ҳам бунақа кўрғон*

*солган эмас!* Ойбек, Қутлуғ қон. *Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади.* А. Қаххор, Тўйда аза. *Шу ҳам тирикчилик ми? Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХАМ** II: ҳам қилмоқ бол. емоқ, ошмоқ.

**ХАМА** [ф-т] эск. кт. айн. ҳамма. **ХАМАВАҚТ** [ф-т+а] рвш Ҳар доим, ҳамisha, доимо. [Мастура:] *Сизники ҳамвақт .. барака топ, оч бўридек тикка ташлайсиз.* Ҳамза, Паранжи силрлари.

**ХАМАЛ** [а] I (Х — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири: Хут ва Савр буржлари орасида жойлашган (қ. бурж). *Ҳамал буржса.*

2 Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи, 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади. *Ҳамал кирди — амал кирди.* Мақол. — *Шериклари билан ҳамал ойининг бошларида — мартнинг охирида туркман саҳросига жўнади.* Айний, Эсдаликлар.

**ХАМАСР** [ф-т+а] Бирор кимса билан бир асрда яшовчи ёки яшаган; асрдош. *Навоийнинг ҳамасрлари.*

**ХАМГАП** [ф-т] Ҳамсухбат, улфат. *Мен илгари бу юртларни келиб кўрганым йўқ, бу элларнинг ҳеч қайсиси билан таниш, ҳамгап бўлганим йўқ.* «Ёдгор».

**ХАМД** [а] дин. Худо шаънига айтиладиган мақтов, мадх, сано. *Ҳамду сано айтмоқ (ўқимоқ).* — *Менга омад берган сенга ҳамдлар бўлсин, э худо, — деди чол соқолини силаб.* Жўрабоев, Мулла Б. м. *Осмонда тўрғайлар ҳамду сано ўқийдилар, кундўзни олқийлайдилар.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ХАМДА** биркт. боғл. Гапда тенг қимматли икки гап бўлагини ёки икки содда гапни бир-бирига боғлайди. *Мен, сен ҳамда ўқитувчи пахта теримига чиқар эканмиз.*

**ХАМДАМ** [ф-т] I Бирор кимса билан кўпинча бирга бўлувчи одам, ҳамсухбат, яқин улфат. *Қаламқашлик бурчин оқлаб қаламинг, Бўлди доим ҳамнафасинг, ҳамдаминг.* Ҳабибий. *Аё менинг ош-нонимни еганлар, Сухбат қуриб менга ҳамдам бўлганлар.* «Ширин билан Шакар».

2 *Ҳамдам (эркаклар исми).*

**ХАМДАМЛАШМОҚ** I Бирга бўлишмоқ, ўзаро суҳбат қуришмоқ, улфат бўлишмоқ. *Очилнинг ёру жўралари ҳамдамлашиб, Очилнинг овозасини ҳар элга маълум қилди.* «Фольклор». — *Ғойибжон мен билан очилиб ҳамдамлашмоқчи эканини пайқаб, болани каравотига ётқиздим .. — деди Кумри.* М. Жўра, Изтироб.

2 *Ердям бермоқ, кўмаклашмоқ.* *Оч-орикнинг ҳолин кўриб, раҳм этиб, Қамбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди.* Эргаш шоир.

**ХАМДАРД** [ф-т] I Қимсанинг руҳий азобини, дардини, ғам-қайғусини бирга кечирувчи; қайғудош, дардкаш. *Дарҳақиқат, Вали ака ўзига*

*бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. || *Санам узоқ бир нарсага қарагандай Маъмуржонга беҳол қаради.* Маъмуржон унга яқин, ҳамдард одам бўлиб туюлди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Сув-ғўё Адолатга ҳамдард бўлиб, мунгли-мунгли қўйлаётганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уруш, ғам одамларни бир-бирига ҳамдард қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Қимсанинг жисмоний дардини, оғригини энгиллаштириш учун унга ёрдам берувчи, ҳўмақчи. *Санитарлик, ёвуз душман билан урушда ярадор бўлиб чиққан жангчиларга ҳамдард бўлиш шарафли иш.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз. *Дардманларга ҳамдард бўлгин, Йиқилганга қўл узат.* Э. Раҳим.

3 Қимсанинг фикрини тушунадиган, мақсадини биладиган киши; фикрдош, сирдош. *Охунбобоев, ҳеч нарсадан кўрқмайди.* Некачи, у большевиклар билан ҳамдард, ҳамнафас. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаи.

**ХАМДАРДЛИК** ҳамдард с. белги оти. *Ҳозир Маҳкам билдирган ишонч ва ҳамдардлик бунга қўшилиб, у аввалги хўшақат ҳолига қайтди.* П. Қодиров, Уч илдиш. [Павловнинг] боқишида ишнчалик раҳмдиллик, ҳамдардлик сезилардики, *Файзи унинг бағрига ўзини отиша ҳам тайёр эди.* И. Сатторов, Изланиш. **Ҳамдардлик билдирмоқ** (ёки *изҳор қилмоқ*) I) яхши гаплар билан қимсанинг дардини, хафалигини ёзишга, унга тасалли беришга уринмоқ, таскин бермоқ. *Фарҳод ачингандай Дурдига ҳамдардлик изҳор қилмоқчи бўлиб, унга яқинроқ сурилади.* А. Ҳакимов, Илон изидан; 2) кўнгил кўтариш учун яқин қимсаи ўлган кишининг қайғусига шерик эканлигини билдирмоқ. *Ойниса Нина Александровнага ҳамдардлик билдирди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

**ХАМДАСТ** [ф-т] кт. Кимсага кўмак берувчи киши; кўмақдош, қўлдош. *Биз ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб туриб, тинчлигимизни бузадиган, текинхўрлик билан яшайдиган юрғзи қинғирлар билан шафқатсиз курашамиз.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

**ХАМДИЛ** [ф-т] Мақсади, фикри бир; фикрдош, ҳаммаслак; аҳил, дўст. *Мамлакатимиз поёнсиз, давлатимиз улғу, халқларимиз ҳамдил, ҳамжиҳат!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХАМДУНА** [ф-т] айн. маймун йили қ. маймун 3. *Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса, тўппа-тўғри йиғирма тўрт ёшга қадам қўядилар.* А. Қодирӣ, Утган қулар.

**ХАМДУСТ** [ф-т] Бир-бирига кўмаклашувчи, ўзаро дўст. *Ҳамдўст мамлакатлар.*

**ХАМДУСТЛИК** ҳамдўст с. белги оти. *Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари.*

**ХАМЁЗА:** ҳамёза тортоқ айн. эсна-



моқ. *Мавлаво Шаҳобиддин бу сўзлардан зериккандек, оғзини катта очиб ҳамёна тортди.* Ойбек, Навоий. *Лаб эмас ҳамёна тортган тўндай, Гўр каби оғизда тишлари кемшик.* Ғ. Ғулум.

**ҲАМЁН** 1 Пул солиб, ёнда, чўнтақда олиб юриладиган халтача; кармон. *Ҳамён тўла пул.* — *Хон ҳаҳолаб қулди ва ҳамёнидан бир олтин узук чиқариб, кампирнинг олдиға ташлади.* Ойдин, Гулсанам. *Подшоҳ бир ҳамён тилла бериб, шаҳзодани йўлга солибди.* «Эртақлар».

2 *кўчма* Бирор киши ихтиёридаги пул, маблағ. *Ҳисобини билмаган — ҳамёнидан айрилади.* Мақол. — *Агар қароқчи Муродхўжа домланинг йўлини тўсиб: «Жонми, ҳамёними?» деса, у «ҳамён!» деганини йўзи ҳам билмай қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳамёни зўр пули кўп, бой, давлатманд.* *Бойларға, помещикларға ва уларнинг давлатига нафрати ошди ва ҳамёни зўрларнинг ҳокимиятини парчалашга бел боғлаган курашчиларға табиий бир ички интилиш билан яқинлашади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ҳамёни касал пули йўқ, камбағал.* *Бухорода йўқмоқ учун ҳамёни касал эди.* М. Мухаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Ҳамёни катта еерпул, бой, давлатманд — Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам деб, томоғи тақиллаб йўлб юрибди, — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ҳақитувчи.

**ҲАМЁСТИҚ** айн. ёстикдош.

**ҲАМЁТОҚ** айн. ётоқдош. Саидий буни ўзининг ҳамётоқларига айтиб берди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАМЖИНС** [ф-т+а] 1 Бир жинсга (эркаклар ёки аёллар жинсига) оид; жинсдош.

2 Келиб чиқishi бир хил, бир турга оид нарсалар ҳақида. *Олмурт ҳам ноқларға ҳамжинсдир.*

**ҲАМЖИХАТ** [ф-т+а] Аҳил, иттифоқ, иноқ. *Ҳамжиҳат бўлмоқ.* *Бизнинг оиламиз ҳамжиҳат, жуда аҳил оила.*

**ҲАМЖИХАТЛИК** Аҳиллик, иттифоқлик, иноқлик. *Соли отанинг .. уйда энди тотуелик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурарди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Бослачиларға қарши барча кишилар ҳамжиҳатлик билан курашса, уларнинг даҳшатлари пучға чиқар экан.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ҲАМЗА** [а] 1 Араб алфавитида бўғиз товушини ифодаловчи белгининг номи.

2 *Ҳамза (эркаклар исми).*

**ҲАМИН** [ф-т]: *ҳамин қадар* 1) жуда кўп, ҳисобсиз. *Чорва ҳам, ўзингиз биласиз, ҳамин қадар.* *Қассада бўлса ҳемири йўқ.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари; 2) шунга яраша, шунга лойик; шунча. — *Бухоройи азима келиб, мулаваҷча ҳам бўливолдик.* *Тўн тўптиқ-қача, салла ҳамин қадар, — деди Мама-ражаб.* С. Сиёев, Қиз боланинг панди.

**ҲАМИША** [ф-т] *рвш* Ҳамма вақт,

доимо. *Эшоннинг қорни бешдир, бири ҳамиша бўшдир.* Мақол. — *Ёдимдир ҳамиша сен падар Ленин.* *Фозил шoir.* *Синглиси бўлса, биров билан бетма-бет келиб сўзлашиганида ҳам, кўзини ҳамиша бир нуқтадан узмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲАМИШАБАХОР** [ф-т] айн. гул-ҳамишабахор. *Богбон меҳмонни кечки пайт бўшатди ва ўшанда ҳам «аттанг, фурсатларинг бўлганда ҳамишабахорни кўрсатар эдим» деб қолди.* А. Қаҳҳор, Қартана.

**ҲАМИШАГИ** Ҳамиша бўлиб келаётган, ҳар доимги; одатдаги.

**ҲАМИШАГИДАЙ** Ҳар доимгидай; одатдагидай. *Ҳамбер Фарҳод билан ҳамишағидай форс тилида гаплашиб кетди.* А. Ҳакимов, Илон издан.

**ҲАМИШАЛИК** айн. ҳамишаги. Бу одат тўйға борган хўжаларнинг ҳамишалик одалари бўлганидан сайислар бу ишни ҳар вақт шундай бажарар эканлар. Айний, Эсдалиқлар.

**ҲАМИЯТ** [а] Ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бошқаларнинг тажовузидан ҳимоя этишга бўлган интилиш; ор-номусни пок сақлаш туйғуси; орият. *Юрагида ҳамияти бор киши.* — *Уйласам, ҳардам ҳамият ўти дилда мавж урар,* *Солгани душман бошиға шўру савдо,* *бораман.* Ҳабибий. *Ҳамиятиға тегмоқ қ. тегмоқ 6.*

**ҲАМИЯТЛИ** Ор-номусини пок сақлашга тирнашадиган, ҳамияти бор; ориятли. — *Ғапингизға қараганда ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни қанда қилмайдиган мусулмон бир қосибнинг қизи экансиз, — деди Ойша ялғачи Латифахонға.* Ғ. Ғулум, Шум бола. *Душманларға берилмаган парча ер.* *Ориятли, ҳамиятли ботир эр.* Ҳабибий.

**ҲАМИЯТСИЗ** Ҳамияти йўқ, ҳамияти бўлмаган. *Биз каби йўқдир беор ҳамиятсиз бебошлар,* *На сияҳпўш,* *на саҳройи Яман ичра.* Ҳамза.

**ҲАМКАСАБА** [ф-т+а] айн. ҳамкасб. [Халфа] ўзи мустақил бўлиб иш бошлашдан аввал оқсоқол бошлиқ барча ҳамкасбаларига зиёфат берар .. эди. М. Мухаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Шу ҳафтанинг ичидеёқ кўп ҳамкасбалар ундан юз ўеирдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАМКАСБ** [ф-т+а] Касби бир, ишлаб чиқаришнинг бир тармоғида, қосасида ишлайдиган; касбдош. *Унинг ҳамма юсак нарсалардан иллат қидириши, обрўси орған ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қарашини шундан эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ҲАМҚОР** [ф-т] 1 Бирор ишни кимса билан бирга бажарувчи, бир жойда бирга ишловчи; ишдаги ўртоқ. *Орада бир ҳафта ўтгандан сўнғ ҳамкори Барат бу мақолага қарши узун бир мақола ёзиб берганида, Саидий ўқиб қулди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор ишни бажаришда бир-бирига кўмак берадиган; аҳил, ёрдам-

чи, кўмакдош. «*Бир солдат иккинчи солдат билан ҳамқор бўлиши керак!*» — *дерди Головня.* М. Мухамедов, Қаҳрамон издан.

**ҲАМҚОРЛИК** 1 Бир иш, хизматда бирга ишлашлик.

2 Бирор соҳада ўзаро боғланиб, аҳиллик билан бирга иш олиб бориш. *Иқтисодий ҳамқорлик.* *Маданий ҳамқорлик.* *Миллий республикалар ўртасидаги ҳамқорлик.* — *ВЛКСМ аъзолари .. СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошларча ҳамқорликни мустаҳкамлашлари зарур.* «ВЛКСМ Устави».

**ҲАМКҲҲС** [ф-т+р] Бир курсда бирга ўқувчи; курсдош. *Маҳкамнинг ҳамқурси бўлган бу хушбичим йигит факультет комсомол ташиқлотининг секретари эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ҲАМЛ** [а] эск. Қоринда бола бўлиш ҳолати. *Ҳамл вақти (с. т.).*

**ҲАМЛА** [а] Кимса ёки нарса устига ташланиш; ҳужум. *Россия меҳнаткашлари дунёда биринчи социалистик давлатни чет эл интервентлари ҳамласидан ҳимоя қилиб қолди.* — *Бухордан саф тортиб келган халқ кўйини душман қаршисида бурғутдек қанот ёзиб, ҳамлага тайёрланди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Мудир ўзининг йўғон гавдаси билан Элмуродни қорининг ҳамласидан тўрди.* П. Турсун, Ҳақитувчи. *Фосиҳ афанди кичкина калласини ўзининг тор, камбар елкалари ичига яширди.* *Тажанг бўлса қоплон ҳамласи билан писмиқ гирибонига чанг солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАММА** [ф-т] белг. олми Бир турдаги нарса, кимса ёки ҳодисаларнинг тўласи, бутун ҳажми ёки сон; барча, бутун. *Ҳамма ўртоқлар.* *Ҳамма гап шунда.* *Ҳамма жойда шу гап.* *Ҳамма иш бажарилди.* *Ҳамма пул иморатға сарф бўлди.* *Ҳаммалик тўпландик.* *Ҳаммага иштилдик.* *Ўқувчиларнинг ҳаммаси йиғилди.* — *Қор эриб расталарни жуда ифлослаган, ҳамма ёқ пилч-пилч лой, балчиқ, сув.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Бутун, ҳар қандай. *Унинг қўлидан ҳамма иш келади.*

**ҲАММАБОП** Ҳамманинг дидига мос келадиган, маъқул бўладиган; ҳаммага қўл келадиган; оммабоп. *Ҳаммабоп китоб.* *Ҳаммабоп лекция.* *Ҳаммабоп одам.* — [Абдурахмон] *ҳаммабоп бўлишға қорасанда, айнақса, хонбоп бўлишға тиришар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҲАММАКТАБ** [ф-т+а] Бир мактабда бирга ўқувчи; мактабдош. *Икковларинг ёшиқда ҳаммактаб эканликларингени билар эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАММАСЛАК** [ф-т+а] Бирор кимса билан маслағи бир хил бўлган, бир маслақдаги киши; маслақдош.

**ҲАММАҲАЛЛА** [ф-т+а] Бир маҳаллада бирга турувчи, бир маҳаллалик киши. *Кунлардан бир кун Юсуф-*

жоннинг ҳаммаҳалласи Қорабойнинг отаси Ҳасанбой ўлиб қолди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Уртоқ Султонов, сиз ҳаммаҳаллагиз Нашилни биласизми?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ҲАММИЛЛАТ** [ф-т+а] Бир миллатга мансуб, миллати бир; миллатдош. Бергер одатига хилоф равишда ҳам-миллатига қандайдир хушчақчақ савол берди. А. Мухтор, Чинор.

**ҲАММОЛ** [а] Юк кўтарувчи, юк ташувчи ишчи; юкчи. *Шерикмисан, ҳаммоммисан?* Матал. — [Зухра:] *Хўп, Зараров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб, бозорда юрган ҳаммом бўлса тегарминдигиз!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Шу топда иккаламизга қўш замбилу, тўртта ҳаммом керак бўлиб қолди.* А. Муҳиддин, Юзига чарм қоплаган киши.

**ҲАММОЛЛИК** ҳаммом с. қасб оти. Мардикорлик, ҳаммомлик, қоровуллик, хизматкорлик .. ҳаммаси қўлимдан келади. Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

**ҲАММОЛЧИЛИК** с. т. Ҳаммомлик. Шакаржон ака кеча-ю кундуз ишлаб тандир ясар, баъзан ҳаммомчилик ҳам қиларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ҲАММОМ** [а] Чўмилиш, ювиниш учун иссиқ ва совуқ сувлари, бир неча иссиқ ва совуқ хоналари бўлган махсус бино; мўрча. Ҳаммомга тушмоқ. — [Жалолиддин:] *Битибдур беш равог ҳам учта ҳаммом. Бир-икки ердаси ишлар чала, хом.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Турдиев, старшина не-не машаққатлар билан тартибга солган ҳаммомда чўмилиб турар экан, устига ашула айтиб Вандарь кириб келди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ Эски тос, эски ҳаммом қ. эски. **ҲАММОМЧИ** Ҳаммомда келди-кетдини бошқариб турувчи хизматчи. Афанди бир кун ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай эски тос, йиртиқ лунги берди. «Лати-фалар».

**ҲАМНАФАС** [ф-т+а] 1 Яқин ўртоқ, улфат, дўст. *Замондош дўстларим чиндан юракдош.* Ҳамиша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош. С. Абдулла.

2 Ният, мақсадлари бир. *Совет журналистлари ҳаминша партия, халқ билан ҳамнафасдирлар.* — Қишлоққа шаҳар туташ, икков бира ҳамнафас. Икковининг иши бир ва мақсади ягона. Ғ. Фулом.

**ҲАМНИШИН** [ф-т] кт. Бирга суҳбатлашиб ўтирадиган, улфат. Билимлик ҳамнишини мунису улфатларим бирла, Буюк, озода, олий кишвару шаҳру дигрим бор. Ҳабибий. Саидхоннинг юрагига қил ҳам сиғмай, азият чекиб турса-да, ҳамнишини билан онда-сонда суҳбат бўлиб турди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ҲАМОВОЗ** [ф-т] 1 Бошқалар билан бир хил айтиладиган ёки бир хил эшитиладиган.

2 *Кўчма* Мақсади, нияти бир, тилақдош. *Эл сўзи билан сўзим ҳамовоз,*

*Ёр меҳри эди кўнгила пардоз.* С. Абдулла.

**ҲАМОН** [ф-т] рви 1 Шу дамгача, ҳозиргача, ҳали ҳам. *Сенинг гапинг ҳамон қулоғимда.* Ҳамон ишляпти. Ҳамон сўзляпти. — *Довул ҳамон кутурмоқда.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Арқда жанг тўхтайти.* Аммо орқда ҳамон шовқин. Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Мухторхон ҳамон ўша.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор воқеа ёки ҳодиса юз берган пайтнинг ўзидаёқ, ўша замон, ўша онда. *Улар жардан чиққан ҳамон одам овозини эшитдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. [Гулнор] *Йўлчи тўғрисида Нурининг сўзларини эшитган ҳамон, олам унинг кўзига қоронғиланди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. Қани, паранжинни қўй, ёнилга ўтир. Ҳамон дардимни оча қолай. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ҲАМОНО** [ф-т] айн. ҳамон 2. [Иванов] *Чашма сувидан тўлдириб олган ҳовучларини оғзига етказган ҳамоно чор атрофдан, буталар тағидан баробар даҳшатли садо янгради:* «*Кўлинг-ни кўтар!!*» А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қори билан хайрлашиб, ичкари ҳовлига кириши ҳамоно, Элмурод кўчага чиқди.* П. Турсун, Уқитувчи. *У кўчага бурилиши ҳамоно орқда шатиллаб келаятган киши қадамини сезди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ҲАМОҚАТ** [а] кт. Аҳмоқлик, тен-таклик, ақлсизлик. — *Бу сўбат эмас, ҳамоқатдир,— деди Мажидидин.* Ойбек, Навоий.

**ҲАМОҚАНГ** [ф-т] 1 Оҳангдош, бир оҳангда бўлган.

2 *Кўчма* Бир-бирига уйғун, монанд; бир хил, бирдек. *Буюк дўстлар тижронда ҳам фикрдош, Улуғ қалбар тенаётди рамоҳан.* Шайхзода. *Қушлар товуши, сувлар шовқини, Қалбимизга ҳамоқанг.* яқин. Уйғун.

**ҲАМРАНГ** [ф-т] кт. Бир рангдаги, ранги бир хил; ранги ўхшаш. *Туну кун Воледа Ҳеч тўхтамай жанг, Бўлиб дарёда сув қон бирла ҳамранг.* Ҳабибий.

**ҲАМРОЗ** [ф-т] Юракдаги гапларни, сирларни айтиб, ҳасратланса, маслаҳатлашса бўладиган киши, энг яқин улфат, меҳрибон, дўст, сирдош. *Эй кўнги, кезгил жаҳонни ўзга бир ҳамроз топ, Роҳати сен рўза умринг сўғғали дамсоз топ.* Ҳамза. *Бир умр мен бирла қолгин, бу кўнгил ҳамрози бўл; Эй саҳар уфқи, унинг сен зараварақ қоғози бўл.* Э. Воҳидов.

**ҲАМРОҲ** [ф-т] 1 *от* Йўлда бирга борувчи; йўлдош. Ҳамроҳ бўлмоқ. — *Ярим кеча вақтида шаҳарга киради, ёнидаги тетик ҳамроҳининг кўмагида бир чойхонага кириб олишга муваффақ бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *сфт* Йўли ёки йўналиши бир томонга тушган, бир томонга қаратилган. Ҳамроҳ шамол. Ҳамроҳ машина.

◆ *Умр ҳамроҳи* эр ёки хотин (бир-бирига нисбатан).

**ҲАМРОҲСИЗ** 1 Ҳамроҳи, йўлдоши йўқ, йўлга яқка чиққан. *Бу чўлда ҳамроҳсиз юриш қийин.*

2 Бирор ишда шериги, улфати йўқ, ёлғиз. — *Ушал вақтларда ҳамроҳсиз ухлаганим тўғри,— деди [Қумуш],— чунки бировлардан бутунлай умидим кесилган .. эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҲАМСАФАР** [ф-т+а] Бирор кимса билан сафарга, йўлга бирга чиққан киши. *Мен юкларимни шошиб-пишиб, юмалоқ-ясси ўраб, ҳамсафарларим — руслар билан қўл бериб хайрлашдим.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Шунақа дил-дилга тўғри келадиган одам билан ҳамсафар бўлиш қандоқ яхши!* С. Аҳмад, Ун иккидан — иккинчиси.

**ҲАМСИНФ** [ф-т+а] Бир синфда бирга ўқувчи; синфдош. *Дорилфунундаги собиқ ҳамсинфларни хаёлдан кечирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАМСОЯ** [ф-т] Ёнма-ён ҳовлида яшовчи, қўшни уйда турувчи; қўшни. *Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя экан.* «Эртақлар».

**ҲАМСУҲБАТ** [ф-т+а] айн. суҳбатдош. *Ахир у [Тожибой] совет ҳукумати-нинг дастлабки йилларида, баъзи бир ҳамсуҳбатлар ўртасида қандай «кароматлар» қилмади.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ҲАМТОВОҚ** 1 Бир товоқда (ёки бир дастурхонда) таом еовчи. *Рус кишиларини яхши биламан.* Улар билан ҳамтовоқ бўлганман, арақ ичишганман. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *Кўчма* Ҳамфикр, шерик. *Менинг бой бўлишим мумкин эмас, аммо ҳамтовоғингиз Нажибийнинг бой бўлиши ҳеч гап эмас.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафасида. — *Олахўжадай қулоқлар билан ҳамтовоқ бўлиб келган кишининг советда раислик қилиши ярамайди,— деди Алексей.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ҲАМФИКР** [ф-т+а] Фикри, тушун-часи, дунё қарashi бир хил бўлган; фикрдош. *Санам .. гапинг тарздан онасининг кампир билан ҳамфикр эканини англаган эди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. [Олахўжа] *ўзининг ҳамфикрларига: «Энди, бу билан ҳазил қилма, мураса қилиб яшаш иложини қила бер» деб ўргатадиган бўлди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Сукрот домла билан доимий ҳамфикр бўлган бу ифбатли хушрўй аёл юзига қизиллик югурди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ҲАМХОНА** [ф-т] 1 Бир хонада яшовчи, бирга турувчи. *Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазиломуз гап ташлашди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 *Кўчма* поэт. Ғам, азоб каби кечин-маларга дучор, гирифтор. *Бир неча кунлардан бери Кўрмай висолинг, эй пари, Турлик бало, минг ғам билан Ҳамхона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

**ҲАМШАҲАР** [ф-т] Бир шаҳарда туғилиб ўсган, бир шаҳарлик. *Ҳамшаҳар йигитлар.* || 1917 йил ёзида

ҳам бир неча ҳамшаҳарларим билан бирга Тошкентга қайтиб келдим. О. Раҳимов, Шонли йиллар хотираси.

**ҲАМШАҲАРЛИК** ҳамшаҳар с. мавз. от. Ходимларни ойна-оғайнигарчилик йўли билан, ҳамшаҳарлигига қариб танлаган киши партия сафларида туриши мумкин эмас. «КПСС Устав».

**ҲАМШИРА** [ф-т] диал. Опа ёки сингил. Тозагул ҳамшираларининг юракларидagi ганни топиб гапирди. Ҳ. Фулом, Машъал.

◆ **Медицина ҳамшираси** ёки **тиббий ҳамшира** ўрта медицина маълумотига эга бўлган шифохона ходими. Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди. И. Раҳим, Ихлос.

**ҲАМШИРАЛИК** ҳамшира с. мавз. от. Бу одамларнинг .. бири ҳақоратга қарши интиқом қўлини кўтармай, ҳамширалик қўлини чўзган, бири оналик меҳри-муҳаббати билан бошини силаган. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ.

**ҲАМШИША** [ф-т] с. т. Бирор кимса билан бирга ичкилик ичувчи, ичкиликбозликдаги улфат. Агар Эҳсон олдида, масалан, Муҳаммадҷон домла билан ҳамшиша бўлганлари эсига тушса, отаси ўғриликда айбланган ёш боладай нам тортор эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАМШЎР** [ф-т] Азоб-уқубатни, қийинчиликни бирга тортувчи, кулфатга шерик. Ҳар бирининг кўзиди, ҳар бирининг юзиди алам. Фуломҷон ана шу аламини ютиб турган ҳамшўрларига ҳимоя тилагандай термилиб қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАМЎРТ** Бир юртда туғилиб ўсган; ватадшош. Унинг ботирлиги ҳамюртларига ҳам эшитилиб қолади. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ҲАМҚИШЛОҚ** Бир қишлоқда туғилиб ўсган киши, бир қишлоқлик. У менинг ҳамқишлоғим. — Кумри — Сарағунинг ҳамқишлоғи, жуда яқин дуоноаси, етим қиз эди. А. Мухтор, Чиноҳ.

**ҲАМҚУР** айн. тенгқур. Йўлчи ўз ҳамқурлари билан бирга тонг шабадасида ишга тушар, кўёш тик келганда овқатланиб, то қоронғилик тушгунча яна меҳнат қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАМҒОЯ** [ф-т+а] Ғояси, дунёқарashi, мақсади бир хил киши. Қимлар улар, қандай шум қадам, Ёвуз ёми, ё ҳамғоялар? М. Даврон.

**ҲАМҲУЖРА** [ф-т+а] Бир ҳужрада бирга яшовчи киши. Саидий қайтиб келганида ҳамҳужраси Эҳсон тор ва дам уйда иштончанг, димиқиб ўлтириб мутулаа қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲАНГАМА** [ф-т] 1 Бир неча киши ўргасидаги ширин суҳбат, хушчақчақлик. Ҳангама қилмоқ. — Яшил уватларда завқли кўчиқлар, Шавқли хангамалар бўлар кўп ишнам. Ғ. Фулом.

Пост аъзолари тўпланадиган тутзорда хангама зўр эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қизиқарли воқеа. Қизиқ хангамалар айтиб, кўнглини хуш қиладиган кишилар бор эди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 салб. Кўнгилсиз воқеа, ҳодиса. Текширишда кўп хангамалар юз берди. — Худога шуқур, оқландим, — деди қутидор. — Чиндан ҳам менда қандай айб бўлсин, ўзимиз ҳам хангамани уйқудан туриб пайқазган бўлсак. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҲАНГАМАЛАШМОҚ** Қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида суҳбатлашмоқ, кулшмоқ; вақтичоғлик қилмоқ. Йўлчи ўз дўсти Қоратой темирчи билан хангамалашиб ўтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАНГИ 1** Ҳа деб ханграйверадиган (эшак ҳақида). Эшакнинг ёмони ханги, одамнинг ёмони банги. Мақол.

2 Шундай эшакнинг ўзи. Бир танишини хангисига тўқим қидириб юрган эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

3 Бақирмоқ, шанги.

**ҲАНГ-МАНГ** Гангиб қолган, эс-хуши қочган, довдираган. Ҳанг-манг бўлмоқ, Ҳанг-манг қилиб қўймоқ.

— Остонада турар Мушук — Ревизор! Утқир панжасида Сичқонбой дўсти! Қаламуш ханг-манг, тик турар базўр, Гўё тушиди шу он ўн қават пўсти. С. Абдуқаҳҳор. У [Юсуфҷон] дарвозасини очар экан, елкасига пулемёт ленталари таққан босмачиларни кўрди ва ханг-манг бўлиб қолди. Т. Обидов, Юсуфҷон қизиқ.

**ҲАНГ-МАНГЛИК** Эс-хушини йўқотиб гангиб қолиш, эсанкираш. — Бургут, — деди Мансур бир дамлик ханг-мангликдан кейин. Ё. Шукуров, Уч савол.

**ҲАНГОМ** [ф-т] махс. Тўқув дастгоҳида: танданинг моки ўтадиган оралиғи.

**ҲАНГОМА** кт. айн. хангама. **ҲАНГРАМОҚ 1** «Ҳанг, ханг» деб қичқирмоқ (эшак ҳақида). Афандининг эшаги кўприкка етганда ханграб юборибди. «Латифалар».

2 Эшак овозига тақлид қилмоқ; бақирмоқ, қичқирмоқ. Бир кунни бойваччалар менга, эмгақлаб хангера, дейишиди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси.

**ҲАНГРАТМОҚ** ханграмоқ фл. орт. н.

**ҲАНГРАШМОҚ** ханграмоқ фл. бирг. н.

**ҲАНДАЛАК** Қовуннинг юмалоқ, майдароқ, хушбўй, эти юмшоқ, эртароқ етиладиган бир тури. Мулла Обид сабзи ва бодрингни сотиб битириб, хандалагини узоди, кўшинилар хандалак узганда мулла Обиднинг қовунига гал келиб қолади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҲАНДАСА** [а] эск. айн. геометрия. Мадрасада диний илмлардан ташқари дунёвий илмлардан ҳисоб, хандаса, та-

рих, илми ашё ўқитилади. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. — Мен ўйлайманки, бу соҳада бизда камчилик йўқдир. Аммо ҳисоб, жабр, хандаса, жуғрофия, тарих, фалақийёт, табиёт каби кўп илмлар бор, — деди Анвар қори. Ойбек, Улуғ йўл.

**ХАНДАСИЙ** [а] эск. айн. геометрик. Ҳандасий шакллар.

**ХАНИК** айн. обрз.

**ХАННОТ** [а] тар. Дон олиб сотувчи савдогар, дон жаллоб.

**ХАНСИРАМОҚ** Югуриш, оғир юк кўтариш, ҳаво етишмаслиги, ҳаяжонланиш ва ш. к. туфайли эркин нафас ололмайд қолмоқ, тез-тез, оғир нафас олмақ; ҳалдосламоқ, ҳарсилламоқ. Ойша хансирар, титгарсан панжаларини мушт қилиб: «Вой-дод, у Бухоросида қиз қуриб кетдими, — дерди ҳа деб. Ш. Ташматов, Эрк қуши. Йўлчи ҳайқириб, хансираб казак аскарларига сапчиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХАНСИРАТМОҚ** хансирармоқ фл. орт. н. — Кўёш тиккага келмасданоқ саҳронинг ловиллаган нафаси хансиратиб қўйди мени, — деди Аҳмадҷон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ХАНСИРАШМОҚ** хансирармоқ фл. бирг. н. Олим билан Иноғомҷон хансиратиб ҳалиги одамни кўтаришиб келишарди. С. Зуннунова, Излар.

**ХАНУЗ** [ф-т] диал. Шу вақтгача, хозиргача, ҳамон. У хануз пинагини бузмайди. — Ҳолид хануз қўлини бўшатшига кучанар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Эшонхон кетма-кет папирос тутатар, ҳаяжондан хануз ўзини боса олмас эди. Ойбек, Улуғ йўл. [Ҳали хозирча, хозирча. Йўқ, инсон хануз сабий, балоғатга етмагандир. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХАНУЗГАЧА** айн. хануз. Лекин дард қолганимда ханузгача қўлидан келадиган ёрданини аймайди, ўзи мард йигит. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҲАП** тақл. с. Оғизнинг тез очиб-ёпилишини ифодалайди. Ҳап этмоқ (ёки демок) тишлаш учун очилган оғизни тез беркитмоқ (ит, бўри ҳақида). Ит ҳап этиб тишлаб олди. Бўри ҳап этиб ташланди.

◆ Ҳап сеними қ. сен. Ҳап ўтир! диал. жим ўтир!

**ҲАПИЛЛАТМОҚ** с. т. Шоша-пиша ошамоқ; ялламай еб қўймоқ, ютиб юбормоқ. У [Абдуллаҳон] ҳамма болалар каби балх тутга ўч, ярим челагини ҳапиллатиб еворар, лекин тут шинисини татиб кўрмаган эди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Кўк от .. ерга эгилиб, нам ўтми ҳапиллатиб чайнай бошлади. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ҲАПИНМОҚ** диал. Арзиқмоқ, дуқилламоқ (юрак ҳақида). Айни вақтда Ягона эрининг иши ўнғланаётганини сезди, қорайи ҳапинди. И. Раҳим, Тақдир. Уз уйини бир неча йилдан кейин яна кўрган Эъвозхоннинг юраги ҳапинди. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ҲАППА-ҲАЛОЛ** Жуда ҳалол, пок.

— Яхшиси шуқ, ўртоқлар, [ўликни] бош томондан сувга тушириб, уч-тўрт марта яхшилаб чайқаб оламиз, ҳапна-ҳалол, бўлади-қолади.— деди Омон. Ғ. Ғулмон, Шум бола.

**ҲАПРИҚМОҚ** айн. **ҳовликмоқ**. Юраги ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди. Ғ. Умарбеков, Юлдузлар.

**ҲАҚҚАТ** Каттакон, улкан, кенг. Ҳаққат этик. Ҳаққат одимлар. ■ Арслонкул .. йирик, ҳаққат одимлар билан жўнади. Ойбек, Навоий.

**ҲАП-ҲАП** Фойдасиз югуриш, беҳуда вайсаш. Юзта ҳап-ҳандан — битта чап-чап афзал. Мақол.

◆ **Ҳап-ҳап қилмоқ** бол. шоша-пиша ошамоқ, еб қўймоқ.

**ҲАР** [ф-т] белг. олим 1 Кўзда тилган бир хил нарсаларни, кишиларни биттадан, алоҳида-алоҳида таъкидлаш учун қўлланади. Ҳар тунда ўттиздан кўсак этилибди. Ҳар кишига ўн сўмдан сарф бўлди. Ҳар сизгидан уч юз литрдан сут соғиб олинди. Ҳар қаллада бир ҳаёл. Мақол.

■ Ҳар қутидан' этими саккиз килодан пилла чиқса бўладими?! А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати. Уйғун. | Такрорланадиган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисалардан исталган бирини таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади. Босқон ҳар тушиганда қизиган пўлатдан учқунлар сачрар эди. Ҳар соатда қўнғироқ жириглайди. Дарё ҳар йили бир тошади. ■ Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади. Ҳ. Олимжон. [Қирғиш шу қадар узунки.] ҳар киприк қоққанда икки юзини беркипти қўяди. С. Аҳмад, Бош оғриғи. Ҳар кун далада қизлар, келинчақлар орасида юрардим. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳар эҳтимолга қарши қ. эҳтимол. Ҳар ҳолда кириш с. қандай воқеа ёки ҳодиса юз бермасин, нима бўлганда ҳам, барибир. Ҳар ҳолда, бугун уйга келишиг керак. ■ Ҳар ҳолда, Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Хоҳланган, исталган тарзда, хилма-хил, турли. Қўлидан ҳар иш келади. Ҳар жиҳатдан хотирим жам. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу. Мақол. ■ Узим ҳар жойдаман — кўнглим сендаюр. Муқимий. Бутун умримни ҳар йўл билан миллат хизматиға сарф қилмоқдам. А. Қаҳҳор, Миллатчилар. Ҳар турли ёки ҳар хил турли-турли, турлича, хилма-хил. Ҳар турли таомлар ҳозирланди. Ҳар хил мато. ■ Хў-жозодасидаги бу ҳолат уни [Ҳасаналини] ҳар турли мулоҳазаларга олиб кета бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Йўлчи] ҳар хил оғир юмушларни қилиб ўрганган бўлса ҳам, тўнка кавламаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳар тўғрида турли масалалар юзасидан, турли масалалар ҳақида. Фазлиддин бу кеча хурсанд эди. Ҳар

тўғрида сўзлар, кулар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирдан ортиқ сонни ифодаловчи сўзлар билан қўлланиб, шу миқдордаги кимса ёки нарсалар тўлалғича кўзда тутилганини, қамраб олинганини билдиради. Ҳар икки одам бир ишни бажаради. Ҳар учови ҳам олим экан. Ҳар беш йилда аттестациядан ўтамай. Ҳар ўн кунда навбат келади. Бундай воқеа ҳар юз йилда бир бўлади.

3 Кўпинча кўпликдаги от олдидан келганда, ўша отдан англашилган кимса ёки нарса мақтовини ошириб ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳар қизларки кўрсанг суқинг киради. Ҳар қовунларки, есанг тилинени ёради. ■ [Князнинг] учта оти бор экан, ҳар отларки, юлдузни кўзлайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Вақт-соат ва жой, томон маъносидagi сўзлар билан келиб, пайт ва жой билдирувчи қўшма равишларни ясайди, мас. Ҳар вақтда (маҳалда), Ҳар вақтдаги, Ҳар гал (сафар), Ҳар доим, Ҳар замон (да), Ҳар ер-ҳар ерда, Ҳар ёқ, Ҳар ёқлама. ■ Ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Чол Ҳар вақтдаги каби жиддий сукутга ботди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Гулнор] Ҳар гал кампир билан ёлғиз қоларкан, дарров қизнинг ҳолини сўрарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоий товуши эшитилади. А. Қаҳҳор, Бемор. Унинг [Анзираг холанинг] ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган .. бўлиб, Ҳар ер-ҳар ердан қизил сопол парчалари, тош яна алланима балолар кўришни турар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳаёт умри қуриб, хон Тикилар эди Ҳар ён. Ҳ. Олимжон. Мен оғборчи ҳовлиқаман, Ҳар тарафда халтачам. «Қўшиқлар». Сайхонлиқни ўрмон ҳар ёқдан ўраб олганди. Ойбек, Кўёш қораймас. [Мирзакаримбой] куёв бўлажак йиғитни Ҳар ёқлама текширишни истар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Сўроқ олмошлари, «бир» сони ва «нарса», «нима» каби сўзлар билан келиб, белгилаш олмошларини ясайди, мас. Ҳар бир, Ҳар қайси, Ҳар қандай, Ҳар қанча. Ҳар бир тун гўза ҳисобда. Уларнинг Ҳар қайсисига биттадан китоб берилди. Бу калит Ҳар қандай қулфага тушаверади. Бу машина, юк Ҳар қанча бўлса ҳам, кўтаравиради. Юр, Ҳар қанча гапинг бўлса йўлда айтаверади. ■ Шунинг учун у Ҳар ишга ўн қўллаб ёпишадиган, янгидан-янги ишлар бошлашга ва Ҳар бир бошланган ишининг, ўзи айтмоқчи, ёнбошига олгандан кейин бетўхтов отишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Келинг деб Ҳар қанча қистасам ҳам, меҳмон кетиб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Аҳмаджон командирнинг Ҳар қандай бўйруғини .. бажарар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Ҳар ким 1) кишиларни биттадан,

алоҳида-алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Ҳар кимнинг нияти ўзининг йўлдоши. Мақол; 2) дуч келган одамларнинг бири; қандай бўлмасин бирор шахс. Гапиришни Ҳар ким ҳам билади. Бу иш Ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. ■ — Ҳар ким ўқийверса, подани ким боқади? — деди аччиғланиб Мирзакаримбой. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳар нарса ёки Ҳар нима исталган нарса, нима хоҳласа ўша. Бу магазиндан Ҳар нарса топилади. Унинг қўлидан Ҳар нима келади. ■ Сен Ҳар нарсани олгандан сўра, у берса — хўп; бермаса — хафа бўлма, тақдирга шукур қил, номусли камбағал бўл. Ойбек, Қутлуғ қон. Одам деган Ҳар нарсага аралашавермайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳайдар ота Ҳар нима бўлса ҳам Ултармага бориб [Асрорқулни] кўриб келай деб йўлга чиқди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

◆ **Ҳар қалай** 1) «кўринишича», «нима бўлганда ҳам», «иш қилиб» каби маъноларда келиб, иш-ҳаракат ҳақида тахмин, тусмол билдиради. Бугун, Ҳар қалай, ёмғир ёғмаса керак. ■ Йўқ. Билмайман, нима учун келганини билмайман, лекин, Ҳар қалай, ярашгани келган эмас. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) «бир амаллаб», «хайриятки», «иш қилиб», «Ҳар ҳолда» каби маъноларда келиб, юз берган иш-ҳаракатдан бир қадар қониққанлиқни билдиради. Ҳар қалай, тирикчилик ўтиб турибди. Ҳар қалай, сен ҳам этиб келдинг.

**ҲАРАКАТ** [а] 1 Киши ва нарсаларнинг ёки уларнинг қисмларининг қимирлаши, ўз ҳолатини ўзгартириши; тек туришга нисбатан қарама-қарши ҳолат. Дарахт баргининг ҳаракати. Қўл-оёқ, ҳаракати. Кўз ҳаракати. Унинг ҳаракати суст. Ҳаракатга келтирмоқ (солмоқ). Ҳаракатдан тўхтамоқ. ■ Гулнор кескин ҳаракат билан ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. Хушрўйнинг ҳаракати энгил ва лафзи тез эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [Канизакнинг] ўтириши, қарашини, ўпкалаб гапириши, бутун ҳаракати Сидиқжонга жуда чиройли кўринди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Совеқ бир оз юмишб тушган, кўёш очиқ ҳавода ҳаракат этмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ўз жойдан жилиш, у ёққа ёки бу ёққа юриш, айланш. Айланма ҳаракат. Ернинг ҳаракати. Кўча ҳаракатлари. Ойнинг ҳаракати. Поездларнинг ҳаракати.

2 Бирор ишга киришиш, бирор нарса қилишга уриниш; инглиш, тиришиш; тараддуд. У қочишга ҳаракат қилди. Уғлини ўқитиш учун қилган ҳамма ҳаракатлари бекор кетди. Ҳаракатга тушмоқ. Коровул дарвозани беркитиш ҳаракатида тушди. Тўй ҳаракатида тушмоқ. Эрта қилинган ҳаракат ишга берад баракат. Мақол. Муталаниг биринчи ҳаракати бўш кетди. А. Қодирий, Ўтган кун

лар. Аҳмаджон .. бир ҳаракат билан пулемёт тепкисини босди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Агар ораларингга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отанега уэрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! А. Қодирий, Утган кунлар. Орадан ақин икки йил ўтгандан кейин Авлиётага Бувайдадан бир одам бориб қолди. Ушадан бу воқеаларни эшитиб, келиш ҳаракатига тушдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Кишининг эл ичида ўзини тутуши, юриш-туруши, тутган ўрни. Бировнинг ҳаракатига разм солмоқ. Унинг ҳаракати бежо кўринади. — Докторнинг бу ҳаракатлари, айниқса дори бермагани Сидиқжона «кўришининг, дори беришининг фойдаси йўқ, бари бир ўлади» дегандай бўлиб кўринди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 филос. Модданинг яшаш усули, унинг умумий ажралмас хусусияти, моддий дуненинг ўзгарishi ва ривожланишининг тўхтовсиз жараёни. Модда доимо ҳаракатда. — Худди тарих сингарии, табиат ҳам диалектик ҳаракат қонунига бўйсунди. В. И. Ленин, Табиғат илмида энг янги революция.

5 кўча Белгили бир мақсад кўзда тутилган ижтимоий фаолият. Миллий-озодлик ҳаракати. Ишчилар ҳаракати. — Марксизм пролетариатнинг озодлик ҳаракати назариясидир. В. И. Ленин, II Интернационалнинг ҳалокати. Ишчилар ҳаракатининг бутун кучи унинг онглигида ва оммавий характерда эканлигидадир. В. И. Ленин, Ишчилар ҳаракатидаги турли оқимларнинг кучи ҳақидаги объектив маълумотлар. Мана шу кунларда колхозчилик ҳаракати бошланиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Россиядаги революцион ҳаракатининг таъсири Туркистонда ҳам революцион ҳаракатни қулоқ ёйдирди. С. Қосимхўжаев, Рус ишчилари билан бирга.

**ХАРАКАТЛАНМОҚ** Ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; кўзгалмоқ; юрмоқ. [Кумуш] энди баягига қараганда бир оз енгиллангансимон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган, буғриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХАРАКАТЛАНТИРМОҚ** ҳаракатланмоқ фл. орт. н. Новча бўйли Қаримжон ўнг қўлини ҳаракатлантириб, тинмай сўзларди. О. Хусанов, Киноартист билан учрашув.

**ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ** Қимирлатувчи, кўзгатувчи; ҳаракатга келтирувчи. У, совет халқини, совет кишиларининг қудратини, жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучларини ҳисобга олмай, катта янглишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХАРАКАТЛИ** 1 Ҳаракат қиладиган, қимирлайдиган, силжийдиган. 2 Бирор иш қилишга уринадиган, тиришадиган; ҳаракатчан.

**ХАРАКАТСИЗ** 1 Ҳаракат қилмайдиган, қимирламайдиган, кўзгалмайдиган, жилмайдиган; бир жойда туриб қолган. Қутилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз, ёғочдай қотиб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. 2 Бирор иш қилишга уринмайдиган, тиришмайдиган; фаолиятсиз, суст. Ҳаракатсиз одам.

**ХАРАКАТЧАН** 1 Тез ҳаракат қиладиган, тез қимирлайдиган, серҳаракат. Ҳаракатчан ҳужайралар (биол.). Ҳаракатчан бола. — «Вася» деганда бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қомати одамларнинг кўз олдига келиб туради. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Серғайрат, ишчан. Муҳитдин Қориеқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ХАРАЛА-ТАРАЛА:** ҳарала-тарала қилмоқ беғам, ялла қилиб юрмоқ, ишламай қайфу сафо қилмоқ. Бўрибой бўлса рўзғордан юлб-юлқиб, яна киши билмас йўллар билан пул топиб ҳарала-тарала қилиб яшайди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. — «Баъзилардек кулиб ҳарала-тарала қилгим келмайди, — деди Чўтир хола Умидга. Мирмуҳсин, Умид.

**ХАРАМ** [a] 1 дин. Муқаддас деб ажратиб қўйилган, кириш тақиқланган жой (мас. Макка шаҳрида Муҳаммад пайғамбарнинг мақбараси).

2 тар. Ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган қисми, ичкари (асосан, олий, юқори мансабдорлар хонадонларида). Хон аёнларга рухсат бериб, ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Маждиддин:] .. хазинангизни бойтамен, ҳарамингизни ҳурлар билан тўлдирамен, сўнгра майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирмен. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Ҳарам оғаси ҳарамдаги хотин-қизларни кузатиб юрувчи бичилган қул.

**ХАРАМХОНА** [a+ф-т] айн. ҳарам 2. Чап томонида амирнинг ҳарамхонасига ва қўшбегининг ҳовлисига бориладиган йўлак. Айний, Бухоро жаллодлари.

**ХАРБ** [a] эск. кт. Уруш, жанг. Жаҳон кўз тутди бу қўдратли ҳарба, Ғалаба билан биз борардик Ғарбага. Уйғун. [Жомий:] Ариқ қовлачилар дуч келди зарбага, Сафарбар бўлдилар майдони ҳарбага. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Ҳарб илмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина, ўзини-ўзи ҳалок қилади, дейилади. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳарб олишмоқ бири-иккинчисига ҳамла қилмоқ, олишмоқ; тортишмоқ. [Набизжон] ҳуриллаб, серқатиқ мас-тавани ичишга тутинди. Лекин мас-тава ичаяптими, захар ичаяптими фарқ қилмас, хаёлида ҳамон ўша раис

билан ҳарб олишар эди. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

**ХАРБА** [a] фольк. Найза, қилич каби жанг қуроллари. Одам кўп-да, ҳамма ўртага олиб, ҳар тарафдан ҳар хил ҳарбалар солиб, Энди тушди қилич олиб ғазога, Бек Гўрўғли қолди энди қамалиб. «Хушкелди».

**ХАРБ-ЗАРБ**, ҳарбу зарб Уруш, жанг, саваш. Кунлардан бир кун Чангали Мозандарон томондан иртқич ҳайвонлар мўр-малахдек бостириб келиб, жониворлар ўртасида жангу жадал, ҳарбу зарб бошланибди. А. Мухтор, Чинор. Йўлдош отанинг ўзи ўртада ҳарб-зарбнинг боришини кузатадиган бўлди. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин йўриғи билан. Отанг яхши, онанг яхши деб туриб, жон чиқар жойига тушириш керак: панд беролмасанг — ўзинг панд ейсан. Ҳарб-зарб қонуни шу. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХАРБИЙ** [a] 1 Урушга алоқадор; уруш, жанг ишлари билан боғланган. Ҳарбий асир. Ҳарбий сир. Ҳарбий ҳолат. — Нормат фронтда эканини, бу ерда чанқоқ водийларга сув берувчи, нур берувчи канал эмас, балки ҳарбий истеҳкомлар қовланиб, ёв йўлга ғов тикланаётганини сездим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Уруш эҳтиёжи учун белгиланган, уруш учун зарур бўлган. Ҳарбий завод. Ҳарбий кема. Ҳарбий самолёт.

2 Армияда, ҳарбий хизматга оид. Ҳарбий врач. Ҳарбий интизом. Ҳарбий иш. Ҳарбий хизмат. Ҳарбий кийим. Ҳарбий қисм. — Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортган машиналарнинг кети қарийб узилмас эди. Ойбек, Қуёш қораймас. У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун саflanмоқда эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 от Армиядаги, ҳарбий ишдаги киши, ҳарбий хизматчи. Ҳеч ким ҳарбийларга хос ҳаққонлик билан жавоб бермади. Шухрат, Шинелли йиллар.

4 от, с. т. Ҳарбий хизмат; армия. Уғлим ҳарбийда .. У кетди-ю икки кундан кейин немислар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ Ҳарбий коммунизм қ. коммунизм. **ХАРБИЙЛАШТИРИЛМОҚ** ҳарбийлаштирмоқ фл. мажх. н.

**ХАРБИЙЛАШТИРМОҚ** Ҳарбий шариғатга мослаштирмоқ, уруш эҳтиёжлари учун ишлашга ўтказмоқ. | Граждандан аҳолини ҳарбий ишга ўргатмоқ.

**ХАРБИЙЧА** рвш Ҳарбий кишиларга хос, ҳарбий хизматга тегишли. Ҳарбийча ишламоқ. Ҳарбийча кийинмоқ. — Бу ерда ҳам ҳарбийча қаттиқ интизом ўрнатилган эди: ҳамма гудок билан уйқудан туради, гудок билан ётади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ХАРБИЙЧАСИГА** рвш Ҳарбийларга хос бир ҳолда, ҳарбий кишиларга ўхшаб. Ҳарбийчасига ишламоқ.

**ХАРВОНА** [ф-т] эск, Лўк, туянинг ургочиси,



**ХАРГИЗ** [ф-т] Асло, сира, ҳеч. *Харгиз билдирма.* — Бу гапларни ҳаргиз ҳазил билмагил! «Гүрўғли». У тарафи билан харгиз ишинг бўлмасин. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ХАРДАМХАЁЛ** [ф-т+а] Ҷз фикрида қаттиқ турмайдиған, иккиланадиган. У завод дарвозасига қадам қўйганида ҳардамхаёл эди.

**ХАРДАМХАЁЛЛИК** ҳардамхаёл с. маъ. от. Низомжон акасининг галига тушунмади. Ҳридан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага чиқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ХАРЕНА** с. т. Ҳайрона. Ташлаб ғариб девонани, мунча узоқ этинге сафар, То келгунча, қонлар ютиб, ҳарена бўлдим соғиниб. Ҳамза.

**ХАРИНА** [ф-т]: дарди ҳарина 1) кетмайдиган, кишига ёпишиб олган дард; 2) кўчма қутулиб бўлмайдиган кулфат, азоб. — Азар аҳвол шундайлигича давом этаверса, барибир, ҳаммамиз ҳам қирилиб кетамиз. Бу турмуш эмас, дарди ҳарина, — деди Рафозл. М. Раҳмонов, Ҳаёт-мамонт.

**ХАРИР** [а] 1 Юнқа илак газлама. Ҳарирдан тикилган кўйлак. || Ҳарир дура.

2 Умуман юнқа, нозик газлама ҳақида. Ҳарир шол рўмол. — Қомати келишган Фариди ҳарир крендешиндан енгисиз кўйлак кийган. Мирмуҳсин, Чинқиш. Ҳарир матолардан тикилган ранг-баранг қизлар кўйлаги хона деворида осиглиқ турар эди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

3 Кўчма Тоза, мусаффо, шаффоф. Кеч кириб оқ ҳарир қор устига тун ўзининг қора либосини ёнди. Й. Муқимов, Матонатли кишилар. Ҳаво ниҳоятда ҳарир, нафас енгил, ҳамма нарса кўйрақ, кулиб табриклар тургандай. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХАРИС** [а] 1 Бир нарсага хирс қўйган, хирсли; ишқивоз, жуда орзуманд. Шаҳматга ҳарис одам. Хоккейга ҳарис.

2 Очкўз, тамағир, қурумсоқ. У пулга ўғлудай ҳарис.

**ХАРИСЛИК** ҳарис с. белги оти. У шахматда жуда ҳарислик қиларди. Ҳарислик билан пул йиғмоқ.

**ХАРИСОНА** [а+ф-т] рвш Ҳарислик билан қилинган. Ҳарисона чайналмоқ.

**ХАРИФ** [а] 1 кт. Шерик, жўра, улфат. Мирвали банкнинг ҳарифи ҳисобланган Утарбой унга жавоб берди. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, қарши қурашувчи, олиншувчи, рақиб. Қураш майдонига тушган полвон — эр, Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар. Шайхзода.

**ХАРИФОНА** [а+ф-т] эск. кт. айн. ҳалфана.

**ХАРНА** [асли хар + нима] 1 Нима бўлса-да, ҳар нима. Ҳарна бўлса, йигитни қутқариши керак эди. Ҳамза, Сайлов олдида. | Имкон борича. Гулноз ўғай онасининг ухлаган пайтидан

фойдаланиб дарсини ҳарна жилдириши учун ариқ бўйига шолча солиб муқ тушиди. Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

2 Қанча кўп бўлса ҳам, қанча бўлса, ўшанча. Ҳарна бор давлатим, мулким, мадорим, Талаб қила кўрма аймоқ юртига! «Едгор». Икки юз, уч юз тўрт юз килолаб Ҳарна қўлга қарса терилгани хўб. Ғ. Ғуллом. Яланг даштда ҳарна чап берсам ҳам бўлмади, ўзимни от ёнига олсам, эгар устида қолган ўнг сонимга ўқ тегди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Қанча бўлса — шунча, барча, ҳамма. «Қўрмаган кунларин мунга солай» — деб, «Ҳарна ҳунаримни маълум қилай» — деб. «Муродхон».

3 Қандай бўлса, ўшандай; тўғри келган, ҳар бир; турли хил. Биз атоқли қаҳрамонмиз, қаҳрамон авлодимиз, Қаҳрамон халқ ичра бўлса ҳарна одат кўрсатинг. Хабибий.

**ХАРНЕЧУК** айн. ҳарна 3. Ҳарнечук иш бўлса, бажариб ташлаймиз. — Сидиқжон далани яхшироқ кўрсатиши учунлики ёки бошқа сабабданми, ҳарнечук, у (Мунисани) тутзор ёнидаги камқатнов йўлга бошлади. Е. Шукуров, Орзулар.

**ХАРОМ** [а] 1 дин. Шарият ҳукмига мувофиқ ейиш, ичишга, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол эмас. У Ашир билан қўл бериб сўрашишга ҳазар қилибди. Чунки Ашир чўчкабоқарда! Балки чўчка шариятда ҳаром махлуқ ҳисобланганини учун индан ҳазар қилгандир. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳаром ўлмоқ 1) сўйилмасдан, бирор касаллик ёки зарб туфайли ўлмоқ (гўшти ейиладиган ҳайвон ва кўшлар ҳақида). Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади. Мақол. — Шу томонда ҳаром ўлган мол ётган бўлса керак, — деди Абдурашул ва қушилардан кўз олмай отини жиллага бурди. П. Турсун, Уқитувчи.

Ҳаром ўлеурлар нах подамини тумта-рақай қилиб юборди. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра; 2) кўчма ўз ажали билан эмас, балки бирор фалокат натижасида ўлмоқ ёки ўлдирилмоқ (киши ҳақида). Улар олмада диний, миллий адоват қўзғаб, бунинг ўз мақсадлари йўлида истифода қилмоқчилар, бу орада сен ва мен ҳаром ўлиб кетамиз. Айний, Дохунда. | Шарият томонидан ман этилган, тақиқланган. Ҳаром эди қўйиш, ҳаром эди куй, Унга севги, ғўзаллик ҳаром, Бир чор девор ва зах босган уй, Ҳамдard эди битта пастак том. Ҳ. Олимжон. 2 с. т. Жинсий муносабатдан сўнг ғўсл қилмаган, чўмилмаган.

3 Умуман ифлос, булганган, кўнгил тортмайдиган. [Ғофир Жамилага:] Кел, қутурган итлар ҳаром қилмасдан туриб шу тоза юзларингдан охирига мартаба ўйнай! Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Кўчма Норозилик туфайли юз ўгирилган, жирканч бўлиб кўрнадиган; расво. Энди бу уй мен учун ҳаром. — Ушга оғайнлардан биттаси районга бориб мени чақипти, — «ҳозир борсаларинг уйдан камида икки юз

метр бахмал топасизлар», — дебди. Уч кун ҳайит ҳаром бўлиб ўтса бўладими? А. Қаҳҳор, Оғайнлар.

4 Кўчма Бошқаларни алдашга асосланган, фирромлик билан қилинадиган; қалбаки. [Адвокат] пул қарз олиб, еб кетиши, қалбаки ҳужжатлар ясаши, соддадил одамларнинг ҳовли-жойларини ўзига қаратиши сингари ҳаром ишларнинг пири эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳаром қўл қ. қўл. | Ҳалол меҳнат билан топилмаган, бошқаларни алдаш йўли билан ғайриқонуний қўлга киритилган. Ҳаром давлат. Ҳаром оғкат. — Қўрбоши Муллақаҳҳор тўй қилганда унинг тўйига бормаган эмиш, ҳатто «унинг тўйи ўғирлик молдан бўлган, унинг оши ҳаром» деб, ўз қавмини ҳам .. тўйига боришга қўйилмаган эмиш. Айний, Қуллар. Тавба, пул ҳам ҳаром бўладими? «Латиғалар».

**ХАРОМЗОДА** [а+ф-т] айн. ҳароми. — Қоч, ҳаромзода! — деб Султонга таҳдид қиларди Бўронбек. Ҳ. Ғуллом, Машғал. [Қутидорнинг] кўз ўнелари қоронғиланиб бир неча вақт серрайганча қолди. Яна «яхшилликни билмаган ҳаромзода!» деб қўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХАРОМИ** [а+ф-т] Ҳазро никоҳ қилинмаган эркак ва аёлдан туғилган бола. — Ана шундай кунларнинг бирида ўзим ёлғиз ўтириб, ҳаж йўлида орттирган ҳаромимга кўйлакча тикаётган эдим, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | сўк. Ярамас, ифлос, аблаҳ. «Аттанг, қўлимга тушмади-да, девордан ошиб қочди, ҳароминг!» — деб шанғиллади халфа. П. Турсун, Уқитувчи.

**ХАРОМЛАМОҚ** 1 Ҳаром қилмоқ, бўлмамоқ, ифлос қилмоқ. Кучук қозонни ҳарохлаб кетипти.

2 Кўчма Номусига тажовуз қилмоқ. [Босмақилар] тоқай пок қизни ҳарохлаб, яна — Тарвуз каби узар ота калласин! С. Назир.

**ХАРОМЛИК** ҳаром с. белги оти. [Ойхон:] Аммам менга қози, аъламларни кўрсан, дейдилар. Мен суйганимга бош ҳаромликдан бошқа барча ишга бош эъман. Ҳамза, Бурунги қозилар.

**ХАРОММАҒИЗ** [а+ф-т] Умуртқали ҳайвон ва одам марказий нерв системасининг умуртқа каналига жойлашган қисми; орқа мия.

◆ Ҳароммағзи янчилади қаттиқ калтакланади, жазосини тортади, расвоси чиқади. — Раҳмонқулнинг уйи куйди, — Сайфи қувониб сўзлади. — Ҳароммағзи янчилади энди аблаҳнинг. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

**ХАРОМНАМАҚ** кам қўлл. айн. ҳаромтовоқ. Унинг ҳаромнамақлари ҳали кўп маҳкамада иш қурганлар. Ойбек, Навоий.

**ХАРОМТОВОҚ** Ҳзи ишласадан бошқалар ҳисобига яшовчи; техникўр. Меҳнат замонадир бу яхши замон, Ҳаромтовоқ одам ўғридан ёмон, Уйғун.

**ХАРОМТОМОҚ** Ҳалол ҳаёт кечир-майдиған, порахўр, балохўр.

**ХАРОМХҲҮР** [a+ф-т] 1 дин. Ҳаром, шариатда ман қилинган овқатларни истеъмол қиладиган. Ҳаромхўр киши.

2 кўчма айн. **харомтомоқ**, **Нафси ёмон**, ҳаромхўр, меҳнатни севмас, унга Текин таом, текин пул, айшу таралла бўлса. Уйғун.

3 Улимтикларни еювчи (қушлар ҳақида). Жилғанин устида бир гала қорақуш .. ва калхатлар гир айлануб учиб юрарди. Отряд отларнинг бошини тортиб, ҳаромхўр қушларни томоша қилди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ХАРОМХҲҮРЛИК** **харомхўр** с. мавҳ. от. Тўтининг отаси Аишур Мирзо ҳаромхўрлик, фирибгарлик .. билан дунё орттириб, Болта кўнас деб ном чиқарган катта савдогарнинг ўқтам мирзоси эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАРОМ-ҲАРИШ** айн. ҳаром 1, 4. Ҳаром-ҳариш юрма. — Духтирхонаси курсин, ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайди ..— деди Савриниса Холниса холага. Мирмуҳсин, Чиниқши.— Мейнинг эрим катта бир универмаг мудйри. Ҳаром-ҳариш йўллар билан тўплаган мол-дунёси икки пуштга етади,— деди Кумуш. Т. Жалолов, Олтин қафас.

**ХАРОРАТ** [a] 1 Қизиган нарсага хос иссиқлик, кучли даражадаги иссиқлик. Оловнинг ҳарорати. Қуёшнинг ҳарорати. — Тинмай ёқилётган печанинг ҳарорати бинони жуда иситиб юборган. И. Раҳим, Ихлос. Қора кизиларни ёндирай деб, ҳар бир тешикдан ўтов ичиға кирган ҳарорат уйни хумдонга айлантирган эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ичдан чиқайтган ҳарорат озғини куйдираётгандек пуф-пуфлаб нафас олиб ўтирган мингбоши келувчиға бош ирғади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор жисмининг, модданинги қизиш ёки иситилиш даражаси; температура. Ҳавонинг ҳарорати. Ҳароратнинг ўзгариб туриши. Ҳарорат паясий, қор ёға бошлади. — Жўра полвон .. ернинг етилиши, тафти, нами, ҳарорати, .. суғориш усулларини яхши билди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Тананинги киши саломатлиги ҳолатини кўрсатувчи иссиқлик даражаси; температура. Беморнинг ҳароратини ўлчamoқ.

4 кўчма Рухий кўтаринкилик, жўшқинлик. Фуломжон энди ўзини анча тўтиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Искандаро] айниқса хотинлар орасида маориф ишлари устида ҳарорат билан сўзлади. Ойбек, Нур қидириб.

5 кўчма Ҳиссий тафти; лаззат. Леббев-Кумачнинг Ватан ҳақидаги шеърда одам йўқми? Бор, ватанпарвар одам бор, ўшанинги юрак ҳарорати кишиға жизиллаб тегди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан

қайтиб келгач, узoқ ухлломади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Уша туни энэ биринчи бор Сезган эди лаб ҳароратин. Сайёр.

**ХАРОРАТЛИ** 1 Ҳарорати бор, иссиқ. Қуёш ўзининг ҳароратли нурларини аямай сочарди.

2 кўчма Ҳиссий тафти бўлган; роҳат-лаззат бағишлайдиған; илиқ. Сенинги эркалашларинг, ҳароратли қучоғинг унга қайта куч ва дармон бағишлайди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Иложисиз каби лабини илқинчи ҳароратли лабдан ажратолмай, бир неча сонца кутиб қолади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Фуломжон Ҳаётининг безаксиз, тузаксиз ҳам тароватли, ҳароратли юзини кўриб, бир хил бўлиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХАРОРАТСИЗ** 1 Ҳарорати, иссиғи, тафти йўқ; совуқ. Энди қуёш ёрқин! Лекин менинг учун Юлдуз каби ҳароратсиз, хайр! А. Мухтор.

2 кўчма Совуқ; завқ-шавқ, роҳат-лаззат бағишламайдиган; ёқимсиз. Ана қаранг, куз қуёшининг боқиши ҳам тул хотиннинг жилмайишидай ҳароратсиз. Осмон ўзининг ёзги тиниқлигини йўқотган — оқши хира. С. Анорбоев, Оксой.

**ХАРСИЛЛАМОҚ** айн. хансирамоқ. Қўпол ботинкасини дўқиллатиб, иссиқда бўрсиб, ҳарсиллаган Аҳмад келди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қуруқ лабларини базўр қимирлатиб, ҳарсиллаб деди Гулнор: — Ух .. баданим ёниб боради. Ойбек, Қутлуг қон.

**ХАРСИЛЛАШМОҚ** **харсилламоқ** фл. бирг. н. Улар супанинги икки томонида, бир-бирларига рўбарў ёнбошлаб ҳарсиллашар, баъзан бир-бирларининг семизликларидан кулиб, дўстларча енгил ҳазиллашиб қўйишар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ХАРС-ХАРС** тақл. с. Тез-тез оғир нафас олишни, ҳарсиллашни ифодалайди. Ҳарс-харс қилмоқ.

**ХАРС-ХҲҮРС** айн. Ҳарс-харс. [Зийбек] орқасига қараса, икки отлиқ етиб олишга сал қолибди, саман от ҳарс-хурс қилиб келарди. Н. Фозилов, Оқим.

**ХАРТУГУЛ** модал с., с. т. Ҳарқалай, хайрият, хайриятки.— Мен ойлм уришиб берадиларми деб, қўрққандим. Йўқ, ҳартугул индамадилар,— деди Эргашнинг ўртоғи. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

**ХАРФ** [a] Ёзувда тилдаги бирор товушни ифодалаш учун қабул қилинган ва алфавит сирасига киритилган белги. «Б» ҳарфи. Бош ҳарф. Қичик ҳарф. Босма ҳарф. Араб ҳарфи. — Лентанинги тугилган жойида зарҳал ҳарфлар билан «ЎзССР» деб ёзилган. «ЎзССР Конституцияси». Ёмғир сувида ва терда ивиган қоғоз сарғайиб, ҳарфлари ёйилиб кетган. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳарф терувчи айн. наборщик.

**ХАРФИЙ** [a] Ҳарф ёки ҳарфлардан

иборат бўлган, ҳарфга оид. Ҳарфий белги. Ҳарфий хато.

**ХАРФМА-ХАРФ** рви 1 Ҳар бир ҳарфни алоҳида. Текстини ҳарфма-харф текшириб чиқмоқ. — Сўнгра [Элмурод] Лениннинг бу вақтларда шиор бўлган машҳур сўзини ҳарфма-харф чўзиб-чўзиб такрорлади. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўчма айн. сўзма-сўз 2. **ХАРФХҲҮР** [a+ф-т] Масаланинги моҳиятига эмас, балки унинг ташқи кўринишига, майда-чуйда нарсаларга кўпроқ эътибор берувчи киши, расмиятчи.

**ХАРЧАНД** [ф-т] Эргаш гап таркибида «ҳар қанча», «кучи борича», «имкон борича» каби маъноларда келади. Яна кулги кўтарилди. Гулшан, ҳарчанд ўзини ушласа ҳам, яна қизларнинг кулгисига тортилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сидиқжон кейинчалик, ҳарчанд уринса ҳам, бу йўрида Қоридан бошқа гап ололмади. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ХАРЧИ** айн. ҳар қалай қ. ҳар. [Анвар:] Бозорлар яхшими? [Сафар бўзчи:] Бир нави .. ҳарчи, тириклик тебраниб туради, ука. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ХАСАД** [a] Кимсанинги муваффақиятини, устунлигини кўролмаслик туйғуси; ғайирлик, бахиллик. [Қумушининг] бу қуни совуққа қарши куйиб олган савсар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб, нафис бағбақаларини ўлиб ётар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Майиблар ҳамма вақт соғ кишиларга ҳасад қилади, бошқаларга ўз кунларини раво кўрадилар. С. Аҳмад, Хўкм. Маҳв бўлсин, кимки бизга интилиб қилса ҳасад. Ҳабибий.

**ХАСАДГҲҮЙ** [a+ф-т] айн. ҳасадчи. Ҳали ҳам топилади орализда Баъзи бир ичи қора, ҳасадгўйлар. Ҳасадгўй равақинени эмас, фақат Туну кун заволинигунга ўйлар. Уйғун.

**ХАСАДЛАНМОҚ** Ҳасад қилмоқ, рашк қилмоқ. Зайнаб унга [Қумушга] ҳасадланиб қаради ва кучланиб айтди: — Ҳали ёшга ўхшайсиз-ку. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХАСАДЛИ** Ҳасадли бор, ҳасад билан боғли, ҳасад, рашк ифодаловчи.— Таҳсин-таҳсин! — дейди Хатиб домла ҳасадли таажжуб билан,— тоза ҳам пулни қирдик, денг ... Таҳсин-таҳсин! А. Қодирий, Обид кетмон.

**ХАСАДЧИ** Кимсанинги муваффақиятини, устунлигини кўролмовчи, ҳасад қилувчи; рашк этувчи; ҳасадгўй.

**ХАСАЙНИ** [ф-т<a] Узумнинг хусайнидан тўлароқ бир тури. Ним ранг тойиби, пушти ранг ҳасайни, тилла ранг қирмиска, қаҳрабо хусайни, ҳар донаси ёнғоқдай келадиган каттақўрғон — ҳаммаси шиғил пишган. С. Анорбоев, Меҳр.

**ҲАСАНА** [a]: қарзи ҳасана устига фойда (процент) қўйилмайдиган қарз. — Жуда яхши,— деди хўжайиннинг

мақсадини англаган мирзо, — бу пулни қарзи ҳасана берасизми ёки урф-расмга мувофиқ фойда биланми? Айний, Дохунда.

**ҲАСАНОТ** [а]: қадамлариға ҳасанот «хуш келибдилар», «пой-қадамлари муבורак» каби маъноларида уйга келган меҳмонни табриклаш, унга миннатдорчилик изҳор этиш учун ишлатиладиган ибора. [Абдурахмонбой:] Зиёфатнинг каттасига қарздормиз, тақсир. Қадамлариға ҳасанот! Н. Сафаров, Уйғониш.

**ҲАСИП** Қўйнинг тозаланган ичагига қийма гўшти ва гуруч тикиб, сувда қайнаб пиширилган таом. Зора энди бирон жойда насиба бўлса-ю, ҳасип есак, лаббай! Қўнғил ҳам инчунин тусаб турибди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. || Рўзи полвон олдинига ёглиқ яхна билан, сўнгра сих-кабоб ва ҳасип шўрва билан меҳмон қилди. Ш. Рашидов, Бўрдан кучли.

**ҲАСИПФУРУШ** Ҳасип тайёрлаб сотувчи киши.

**ҲАСРАТ** [а] 1 Рухий азоб, ғам, қайғу. Гапир, нима ҳасрат тушди бошингга! А. Мухтор, Чинор. Гуландом ҳасратини дутор ва қўшиқ билан эриштишга тиришар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Уларнинг [аёлларнинг] қий-чуви орасида бир ёш аёлининг ғам ва ҳасрат билан тўла «ёр-ёри» алоҳида эшитилар, одамнинг қўнғилини бузар эди. П. Турсун, Уқитувчи. | Умуман қийинчилик, азоб, уқубат. — Жуда-жуда хижолат бўйли кетдим. Мен ҳасратда йиққан .. пулни бузиб, не учун харажат қилиб келди-я, — деди йиғит. С. Ахмад, Таъзим.

2 Бирор кимса ёки нарсдан зорланиб гапириш, нолиш; шикоят. Бировнинг ҳасратини тингламоқ. — У тўғралган сабзиларни мис товоққа сола туриб, ҳасратга тушиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Нотаниш жувонинг ранги оқариб, ҳасрат дафтари очилиб кетди. И. Раҳим, Чин мухаббат. Ҳасрат қилмоқ 1) бирор кимсага ўз ғами, қайғуси ҳақида гапириб, юрагини бўшатмоқ; дардини айтмоқ. Отам ўлди, эрим ўлди дедим, йиғладим, ҳасрат қилдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир; 2) бирор кимса ёки нарсдан шикоят қилмоқ. [Али] ўзининг бахтсизлигидан, топганини рўзгордан орттиролмай, шу кунгача уйланолмай келишидан ҳасрат қилиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Ҳасратидан чанг чиқади қ. чанг 1. ҲАСРАТЛАНМОҚ** кам қўл. Бирор кимса ёки нарса ҳақида афеусланиб, зорланиб гапирмоқ; шикоят қилмоқ. Кейингилар эса, масалан: .. бир савдогар, ўзининг жуда фақирлигидан ҳасратланиб, закотдан озод қилинишини сўрар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҲАСРАТЛАШИШМОҚ** айн. ҳасратлашмоқ. Бугун онаси алақайси қариндошиникига келин тушдиға кетган. Шунинг учун дугоналар жуда бе-

мало ҳасратлашишди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ҲАСРАТЛАШМОҚ** Бирор қийинчилик, ғам, ташвиш кабилар ҳақида ўзаро гаплашмоқ, дардлашмоқ. Йиғитдан юқорироқда, ўрта ёшли икки деҳқон ўтирар, бу йил сабзи-пиёзнинг бозори касодлигидан ва улوصизликдан ҳасратлашар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Райҳон билан Ҳанифа этакроқдаги кўрпачада ёнма-ён ҳасратлашиб ўтиришарди. Х. Ғулום, Сенга интиламан.

**ҲАСРАТЛИ** Ғам, қайғу, ҳасрат билан тўлган, қайғули; ҳасратни ифодалайдиган. Ҳасратли қора кунлар. — Бергернинг юзида ҳасратли уятчанлик пайдо бўлди. А. Мухтор, Чинор.

**ҲАСРАТ-НАДОМАТ 1** Рухий азоб, ғам-алам, қайғу. Қишлоқдан узоқлаб кетган Низомжон қўйнидан она суратини олиб тикилди-да, ҳасрат-надомат билан инеради. С. Ахмад, Уфқ. 2 Бирор кимса ёки нарсдан зорланиб гапириш, нолиш; шикоят. — Е пирай, ё тирай. — Ойша хола энди ҳасрат-надоматга ўтди. — Азон маҳали Саман отин келибдилар, йиғисиги. Қиз ўстириб дўзахи номини олмай ўлай. Ш. Тожматов, Эрк қуши.

**ҲАССА** [а] Қўлда тутил эрга тираб, таяниб юриш учун силлиқ қилиб ишланган ҳазон таёқ; асо. Ёғоч ҳасса. Темир ҳасса. Кўр ҳассасини бир йўқотади. Мақол. — Шу он Ҳасан сўфи халойиқ ичидан ҳассасига таяниб олдинга чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шу ерда ўсади бир туп дарактча. Шоди деди: — Оҳ, бундан ясайман ҳасса. З. Дийёр.

**ҲАССАҚАШ** [а+ф-т] этн. 1 Аза ёки тўйда эшик олдида туриб келувчиларни кутиб олувчи ва кузатиб қолувчи киши.

2 Тобутни қабрга элтишда олдинда ҳасса тутиб берувчи киши. **ҲАССАҚАШЛИК** ҳассақаш с. маъ. от. Ҳассақашлик қилмоқ.

**ҲАССОС** [а] Нарса-воқеа моҳиятини тез ва тўғри ҳис этувчи, зехни ўткир, сезгир. Саҳнамиздан ва шеъримиздан Ҳамон янгар унинг овози. Гулзорларда ҳамон жаранлар ўша ҳассос Ҳамзанинг сози! Уйғун. Онабиби ҳассос қиз. Гўзалликдан завқлана билади. А. Мухтор, Чинор.

**ҲАСТИ** с. т. Ҳазрат. **ҲАТЛАМОҚ 1** Бир нарсанинг ёки жойнинг устидан ирғиб, нарёққа ўтмоқ, сакраб ўтмоқ, ҳакламоқ. Дутор бўйин араби отлар, Чу деса бир қирдан ҳатлар. «Равшан». — Қани, тўйга юрин! — деди тоға зовурдан ҳатлаб ўтиб. П. Турсун, Уқитувчи. Давлатёр кўприқдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Қадам ташламоқ, одим отмоқ, қадамлаб устидан ўтмоқ. Ғулוםжон нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қўйини дарчага икки ҳатлаб етиб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

«Мени шу ерда кутасан», — деди-да зинадан тез-тез ҳатлаб, бинонинг ичига кириб йўқолди. Ойбек, Қутлуг қон. Остона ҳатлаб кўчага чиқмаган кўчага чиқини тақиқланган, доимо уйда ўтирган. Ўсингиз-унингиз, қизларим, бизнинг вақтимизда бундақа кунлар йўқ эди. Чордевор, остона ҳатлаб кўчага чиқолмасдик, ҳатто қаттиқроқ кулолмасдик ҳам. Х. Шамс, Душман.

**ҲАТЛАТИШМОҚ** ҳатлатмоқ фл. мажх. н. Катта гулхан ёқилиб, паранжи ёпиниб келган келин [оловдан] ҳатлатилди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҲАТЛАТМОҚ** ҳатламоқ фл. орт. н. Отни зовурдан ҳатлатмоқ.

**ҲАТЛАШМОҚ** ҳатламоқ фл. бирг. н. **ҲАТТО** [а] куч. юкл. Ўзи боғланиб келган сўз, сўз бирикмаси ёки гапни айириб, унинг мазмунини кучайтириш учун қўлланилади. Раимбек додхоҳ .. қатлидан сўн сипоҳлардан руҳ тушди. Ҳатто Азизбекнинг бўйруғига ҳам қулоқ солмай тўс-тўсга қоча бошладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲАТТОКИ** [а+ф-т] айн. ҳатто. Бири доктор, бири ҳамшира, Учса ҳамки, хаттоки ўқлар, Ҳар жангчининг ярасин боғлар, Меҳри билан чақнар уфқлар. Х. Пўлат.

**ҲАФРАНГ** с. т. Ҳафтранг.

**ҲАФСАЛА** Бирор иш-ҳаракат қилишга бўлган майл, истак, хоҳиш; қизиқиш. Ҳафсаласи йўқ. Ҳат ёшида ҳафсалам бўлмади. Ҳафсаланг келганда кўчат эк. | Бирор иш-ҳаракат қилиш учун тиришиш, тиришқоқлик. Улар ҳафсала билан китоб мутолаа қиларди. Шухрат, Шинелли йиллар. Билмайман, бу уйда яшаганди ким. Роса қилган экан меҳнат, ҳафсала. С. Зуннунова. Ҳафсаласи пир бўлди қ. пир II.

**ҲАФСАЛАЛИ** Бирор иш-ҳаракат қилишни истайдиган, шунга қизиқадиган. | Бирор иш-ҳаракат қилишга астойдил киришадиган, тиришқоқ, серғайрат. Ҳафсалали йиғит.

**ҲАФСАЛАСИЗ** Бирор иш-ҳаракат қилишни истамайдиган, шунга қизиқмайдиган. | Бирор иш-ҳаракат қилишга астойдил киришмайдиган, эринчок, дангаса. Ҳафсаласиз одам.

**ҲАФТА** [ф-т] Душанбадан яқшанбагача (илгарн — шанбадан жумагача) бўлган етти кеча-кундузни ўз ичига олган вақт ўлчов берлиги. Ҳафтанинг иккинчи кунн. Утган ҳафта. Дарс келаси ҳафтадан бошланади. | Умуман бирор кундан бошлаб ҳисобланадиган етти кеча-кундуздан иборат вақт. Икки ҳафтада келаман. Яна бир ҳафтага етадиган иш қолди. — Унга ўзидан ҳар ҳафта хат келади. А. Қаҳор, Қўшчинор. Ҳожи ва Отабеклар яна бир неча ҳафта қолшиға қистасалар ҳам бўлмай, [қутидор] уэр айтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲАФТАЛАБ** рви Бир неча ҳафта давомида. [Олахўжа] тўйга катта тайёрларлик кўрди, Тогдан сўқим олиб

келтирди, ҳафталаб шולי оқлатди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ҲАФТАЛИК** *1* Ҳафтага етадиган. Икки ҳафталик иш. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол! Мақол. | Ҳафта ичида содир бўладиган, ҳафта ичи давом этадиган, ҳафтага чўзиладиган. Беш ҳафталик отпусқа. — Батальон Н. шаҳри учун бўлган бир ҳафталик жангда фаол қатнашиб, шаҳарга биринчилар қатори кириб борди. Шухрат, Шинелли йнлар. | Ҳар ҳафтада бир марта содир бўладиган, ўтказиладиган ёки чиқариладиган. Ҳафталик йиғилиш. Тўғаракнинг ҳафталик машғулотли. Ҳафталик журнал.

*2* Бир ҳафта муддат ичида бўлиб ўтадиган бирор тадбир, иш. Кўчат экиш ҳафталиги.

**ҲАФТАФАҲМ** [*ф-т+а*] Бирор нарсани дарров ўқиб, тушуниб ололмайдиган, зехни паст; анқов, бефаросат. Муллаваччалар зехни ўтқирроқ шерикларини «хушфаҳм», зехнсизларини «ҳафтафаҳм» деб атади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Қардан билимдон бўлиб қолдинг, ҳафтафаҳм! Али тажангининг сарғиши мўйлови титраб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ҲАФТИЯК** [*ф-т*] Қуръоннинг еттидан бир қисмидан иборат алоҳида китобча (революциядан олдин диний мактабларда ўқилган). Мен Турбатда болаларга «Ҳафтияк», «Чоркитоб» ўқитиб, кунда беш вақт азон айтиш, имомгарчиликка ўтиб турдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Ҳама нарса болалар учун янги, қизиқ эди, чунки улар .. абжаддан, ҳафтиякдан бўлак китоб кўрмаган эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАФТРАНГ** [*ф-т*] Турли рангда гуллар солинган, товланиб турадиган. Уғил боланинг ҳам бармоқ ва қулоқларига узук ва ҳалқа тақилди. Буларга кийирилган кийимлар ҳам Бухоро шохиси ва ҳафтранг бахмалдан тикилган шохона кийимлар эди. Айний, Қуллар. Ҳафтранг қоғоз тар. ўрта асрларда Туркистон хонликларида қосиблар томонидан ишлаб чиқариладиган яхши сифатли турли рангли қоғоз. Навоий манқалга яқин, китоб устига қўйилган янги ҳафтранг қоғоз тиззасида, салласиз, учли тақя кийган, боши бир оз эгик, қалами енгил қитирлаб, чиройли ҳарфлар туширмоқда. Ойбек, Навоий.

**ҲАШАМ** [*а*] *1* Безаш учун ишлатиладиган нарса; безак, зеб. Аравалар гумбур, отлар семиз, керакли анжомлардан ташқари, турли ҳашамлар билан безатилган. Ҳ. Нуъмон, А. Шорахмедов, Ота.

*2* Кўчма Бирор иш ёки тадбирларни амалга ошириш юзасидан бўладиган оворагарчилик, югур-югур, ташвиш. Ҳар қандай ота ҳам тўнғичининг ташвишидан қутулгач, кенжасининг ҳашамига тушади. И. Раҳим, Ҳялола.

**ҲАШАМАТ** [*а*] Катта ҳашам, савлат, даббаба. Бу бино ўзининг ҳашамати ва гўзаллиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

**ҲАШАМАТЛИ** Ҳашамли, савлатли, дабдабали (асосан бино ҳақида). Ҳашаматли уйлар. Ҳашаматли Санъат саройи. — Катта кенг гулзорлар орасидан ўтиб, серпанжарали, ҳашаматли бино олдида тўхтадилар. Ойбек, Нур қидириб.

**ҲАШАМДОР** [*а+ф-т*] Ҳашаматли, серхашам. Ҳашамдор пештоқни кўтариб бошга, Азамат устунлар савлат тўқади. З. Обидов. Одамлар галаси нақшин дарвозадан ўтиб, ҳовлига кирди. Чап томонда ўн-ўн беш товус ҳашамдор патларини ёйиб турарди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ҲАШАМСИЗ** *1* Ҳашами, безаги йўқ; дабдасиз. Улсам менга ҳайкал қўйманлар, деган Улуғ Толстойнинг васияти бор. Шу сабабдан унинг муборак қабри Ҳашамсиз, ҳайкалсиз — оддий бир мазор. Уйғун.

*2* Кўчма Оддий, содда, камтар. Очерк қаҳрамони — оддийгина, ҳашамсиз, камсуқум коммунист аёл.

**ҲАШАР** [*а* ҳашр] Бирор ишни биргаллашиб бажаришда жамоатчилик томонидан бериладиган ихтиёрий ёрдам. Студентлар пахта териш учун колхозга ҳашарга чиқдилар. — Курбон ота кўзига бўшироқ кўринган ҳар бир одамни ишга солиб, ҳашарга чақириб, эзги бинонинг олди ва атрофига гуллар экди, катта-кичик супалар қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Аваз оға, хотиржам бўлинг, жўрмал билан келиб ҳашар қиламиз. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҲАШАРБОШИ** Ҳашарда қатнашганларга бошчилик қилувчи. — Полвон асл йигит қиқиб қолди. Ўзи ҳашарбоши бўлибди, ёвон одамлари ёрдам берибди, — деди Аваз майин бир оҳанеда. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҲАШАРОТ** [*а*] Пашша, ари, қапа-лак, чумоли каби майда умуртқасиз бўғин оёқли жониворлар. Зарарли ҳашаротлар. — Тонг чоғи, бутун чўлни жимжитлик қоплаб олган эди; чўлда кечаси билан янтоқ .. орасида пиширлашиб юрадиган майда ҳашаротлар ҳам тинчланган эдилар. Айний, Қуллар.

**ҲАШАРОТХЎР** [*а+ф-т*] Ҳашарот еювчи. Ҳашаротхўр жониворлар. Ҳашаротхўр ўсимликлар.

**ҲАШАРЧИ** Ҳашарда қатнашувчи. Ўзбек ойим ҳашарчи хотиндан бирига тандирага ўт қўйишни буюрди-да, ўзи Зайнабнинг олдига келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Барака топқур ҳашарчилар ҳам тузук ёрдам беришяпти, — деди Очил ака. А. Ҳайитметов, Пулат бармоқлар.

**ҲАШ-ПАШ:** ҳаш-паш дегунча озгина вақт ичида, тезда, бирпасда. Ҳаш-паш дегунча соат бир бўлди. — Бугун кабобни ўхшатган экан, ҳаш-паш дегунча саккиз сихини еб қўйибман, — деб мақтанди Мараҳим.

Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Меҳмондўст ординарең .. ҳаш-паш дегунча дастурхонни писта-бодомга тўлғизиб юборди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Бир зумда барча қиз ишга тушиб кетди. Ҳаш-паш дегунча ҳовли чинидек ярақлатилди. Ё. Шукров, УЧ савол.

**ҲАШТАК-ПАШТАК** Ўрикнинг да-нагини олиб ташлаб, орасига мағиз солиб қуритилган қоқиси; аштак-паштак.

**ҲАШТИЯК** [*ф-т*] тар. Вафот этган кишидан қолган мероснинг саккиздан бири (буни шарият қонунига мувофиқ, марҳумнинг хотини олар эди). Рўза тутдим хатм учун, Қорига мен хасм учун, Тушганидан ҳашти-як, Тортиб олмақ расм учун. Ҳамза.

**ҲАЯЖОН** [*а*] Бирор фавқуллода ҳолатдан, воқеа ёки хабардан пайдо бўлган ички тўлқинланиш; қаттиқ ташвишланиш, безовталаниш. Киз даҳлизда, эшик орқасида кучли ҳаяжон ва саросимада турган Гулнорни қучоқлади, секин иширлади: «Қайғурманг, опақон». Ойбек, Қулдуғ қон. Кизнинг овози ва энтикиши унинг анча ҳаяжон ва ташвишда эканини билдирар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳаяжонга келмоқ айн. ҳаяжонланмоқ. Кекса чўпон кесилган икки қулоғи ва бурнига куйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхташишга ҳаракат қилар эди. Қутилмаган бу фожиадан ҳаяжонга келган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва уст-ма-уст савол ёғдира бошладилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ҲАЯЖОНЛАНМОҚ** Ортиқ тўлқинланмоқ, ҳовликмоқ; ташвишланмоқ, безовталанмоқ. — Уртоқ генерал, — деди ҳаяжонланиб Бектемир, — ҳеч нарса қилмадим ҳали. Бу — планинг бир процентли. Ойбек, Қуёш қораймас. Инобат ҳаяжонланар, ёниб турган кўзлари яхшиликдан дарак берарди; у эрига тикилди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

**ҲАЯЖОНЛАНТИРМОҚ** ҳаяжонланмоқ фл. орт. н. Бир вақтларда биргина «имтиҳон» деган сўзнинг ўзи болаларни ҳаяжонлантирарди.

**ҲАЯЖОНЛИ** *1* Тўлқинланган, ҳаяжонланган, ҳаяжон ифодаловчи. Йўқолган оиласини тасодифан топган одамдек унинг кўзлари беқарор, хурсанд ва ҳаяжонли эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Унинг ҳаёти ва асарлари ҳақида Муҳаммад Жамолнинг ҳаяжонли, шавқли сўзларини тинглади. Ойбек, Нур қидириб. | Ҳаят безовталанган; қаттиқ ташвишли, изтиробли. Ҳамза негадир ҳаяжонли, асабий кўринар эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Саҳна чиқиб, бўғиқ ва ҳаяжонли овоз билан додлай бошлади. Ғ. Фулом, Шум бола.

*2* Кишини ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган, таъсирли. Ҳаяжонли фильм. Ҳаяжонли асар.

**ҲАЯЛ:** ҳаял ўтмай озгина вақт ичида, тезда, бир зумда. Ҳаял ўтмай этиб

келди. — Турғуной шу ерга ўзини ташлаб, ҳаял ўтмай уйкуга кетди. А. Қаххор, Мастон. Ҳамид ҳаял ўтмай го-вурни босди. А. Қаххор, Сароб. Ҳаял қилмоқ айн. ҳаялламоқ. Мевалари ширалаи қанду асал, Қўрқи Ҳабибий, ҳама қилмай ҳаял. Ҳабибий.

**ҲАЯЛЛАМОҚ** айн. кечикмоқ. Бир соат ҳаялладинг. — Кел, болам, отни тез мин, йўлга равона бўл, асло ҳаяллама. «Равшан». — Гап шундай экан, ҳеч ҳаялламай қишлоққа жўнашимиз лозим. — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҲАЯЛЛАШМОҚ** ҳаялламоқ фл. бирг. н.

**ҲАҚ** [а] 1 сфт Тўғри, чин, рост, ҳаққоний. Ҳақ сўзни дедингиз, жаноб хатиб. Ойбек, Навоий. — Муддаони тушуниш унчалик қўйин эмас — муддао битта, — деди Элмурод. — У ҳам бўлса, одамларга ҳақ йўлни кўрсатиш. П. Турсун, Ўқитувчи. — Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сугага уриб кетар экан. — Рост, болам, ҳақ гап. А. Қаххор, Қўшчинор. | от вазифасида Тўғри сўз, ҳақиқат. Ҳақни айтса урарлар, хушомадони суярлар. Мақол. Ҳақ жойига қарор топади ҳақиқат рўёбга чиқади, адолат тантана қилади. Ўлим ҳақ ҳаманинг бошида Ўлим бор, ҳамма ҳам ўлади. [Асад:] .. Ўлим ёқангиздан хиппа олганда, аттанга, деманга! Ўлим ҳақ, ака, — дейди Қамолова. Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

2 Бирор иш-ҳаракат қилиш учун қонун билан белгиланган, жамият тартибига тўғри келадиган эркинлик ёки имконият; ҳуқуқ. Унинг пенсия олишига ҳақи бор. Сизни айблаганга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. — Ҳаққингени ол, ишчилар! Яшов давринг сенинг. Ҳамза. Аммо бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйиларимиз сенга ёттишиб келмас экан, бунга ҳаққинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма, ўғлим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Давлатёр таърифлагандек «ҳақини танимаган» бу [Худойқул] бечора шу равишда ҳаёт кечирар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ҳуқуқ юзасидан бирор кимса ёки нарсага тегишли ҳисса. Ҳаққингизни олдингизми? Менда энди ҳаққингиз қолмади. Сағирнинг ҳақи — тангрининг ўқи. Мақол. — Олахўжа .. кўринишда шундай мўймин, гўё бузоқнинг ҳақи бор деб, сиеирнинг сутини ичмайди. Аслини оланга — ювош қашқир. П. Турсун, Ўқитувчи. Самоварчи нуқул кул билан тўлган сархонага чўр қўяр, бурушиб-тиришиб чилимни олиб борар ва ўдағайлар эди: «Торт, торт, сира ҳаққинг кетмасин!» Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Қишининг қилган иши, меҳнати эвазига олинадиган пул, улуш, тўлов. Иш ҳақи. Менга қанча ҳақ тегди? — [Унсин:] Акамни шунча йил ишлатиб, ҳақини бермадингиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Лекин қотма чол жойидан

жилмади. Ҳақини талаб қилиб туриб олди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Мен ҳақ тўғрисида гапиратганим йўқ, Болтабой ака, ҳақ ёзмаса ҳам майли. А. Қаххор, Қўшчинор. **Қайчи** ҳақи кимсанинг кийимини бичиб берганлик учун тўланадиган пул ёки ўша кийимликдан қирқиб олинган ҳисса. **Қалам ҳақи айн. гонорар.** | Бирор нарсадан фойдаланганлик учун тўланадиган пул, тўлов, қира. **Қвартира ҳақи.** Сув ҳақи. **Тегирмон ҳақи.** — Қапсанчилар деганининг маъноси шучки, ҳосилдан бойлар ерининг ҳақини, князь сувининг ҳақини олгандан кейин пешана тери тўйккан деҳқонга капсан қатори бир нарса қолар эди, холос. А. Қаххор, Қўшчинор. **Назарбой сўзга киришиди:** Вақфқор деҳқонлар мени урдилар, ҳақорат қилдилар, вақф ҳақини бермай, қувиб юбордилар. Айний, Қуллар.

5 Бадал, взнос. **Аъзолук ҳақи.**

6 дин. Худо, оллох, тангри, парвардигор (худонинг эпитетларидан бири). **Ҳақ таоло.** — Борин эмикдошим, ҳаққа топширдим! «Алломиш». Оҳ тортсам тўйқилар кўзимнинг ёши, «Ҳақ!» деб чиқар габли қулнинг товуши. «Рустам».

7 эск. Эгалик ва ж. к. қўшимчалари билан келиб, гап, мақтов, олқиш ва ш. к. бирор кимса шаънига қаратилганлигини билдиради. Бировнинг ҳақига дуо қилмоқ. Арвоҳлар ҳақига фотиҳа ўқимоқ. — Кимхобни кийиб олган, домла Ниёз «саҳоватда Ҳотамитойидан, адолатда Нўширавони одилдан ортқироқ у жанобнинг ҳақига яна янги дуо ва санолар тўйқиди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

8 дин. Ўз фикрига бошқаларни кўндирши ёки ишонтириш учун муқаддас зотларни шафе келтириб, уларнинг хурматини пеш қилганда ёки онт ичганда ишлатилади. Худо ҳақи, шафқат қил. Куръон ҳақи, менинг бу ишдан хабарим йўқ. — Ҳай, пиринг ҳазрати Довуд ҳақига бир нафас шу тақир-туқурни бас қил! Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кўз ҳақи** биров истеъмол қилиб турган нарсага суқланиб қараган бошқа кимсага ўша нарсадан ажратиб берилган озгина улуш. **Сут ҳақи этн.** тўй олдидан қизнинг онасига куёв томонидан (қизни тўғиб, боқиб катта қилганлиги учун) бериладиган бир миқдор пул ёки совға. **Тағжой ҳақи** бозорда ўтириб нарсасотганлик учун тўланадиган тўлов. **Туз ҳақи** бирор кимсанинг хонадонидан анча вақт яшаганлиги эвазига кўрсатилган яхшилик. **Чок ҳақи** бир-бирига қўшиб тикиладиган икки бўлакнинг қирғоғидан қолдирилган озгина ортиқча жой.

**ҲАҚГҲЙ** [а+ф-т] Ҳақ сўзни айтувчи, тўғри сўзловчи; ростгўй. Ҳақгўй одам. — Шегр гўё деҳқонларимизнинг оғзидан ёзиб олингандай содда, гўзал ва ҳақгўй бир асар, — деди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб.

**ҲАҚГҲЙЛИК** ҳақгўй\*с. белги оти. — Извош ўзиники бўлса, шунча кийим киймасди, — болаларча ҳақгўйлик билан тушунтирди иккинчи бола. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАҚДА** кўм. (б. к. ва қ. к. билан) От ва бошқа туркумдаги отлашган сўзлардан кейин келиб, суҳбат, мулоҳаза, фикр, ҳукм ва ш. к. объектини кўрсатади; бора(си)да, тўғри(си)да. Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилди. А. Қаххор, Қўшчинор. Фотима амакиси билан нима ҳақда-дир гаплашди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҲАҚИДА** айн. ҳақда. Ленин ҳақида суҳбатлар. Навоий ҳақида ёзилган роман. Об-ҳаво ҳақида маълумот. Менинг ҳақимда қайғурма. Сизнинг ҳақингизда кўп яхши гаплар бўлди.

**ҲАҚИР** [а] 1 Ҳеч ким иззат-хурмат қилмайдиган; қадрсиз, хўрланган. Иси-тмадан қушиб, беҳад бўлиб ётган ҳаққир онаси, худди ўнгида тургандай кўринди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Қанча ожиз, қанчалик ҳаққир. Қанчалик хўр, қанчалик фақир бўлгангени билан мидинг ҳеч? Х. Олимжон.

2 кўма. Ўзини ҳаммадан паст оладиган, камтар банда. Ҳаққирингиз хизматга тайёр.

**ҲАҚИРЛАРЧА** рви, эск. Ҳаққир кишиларга хос, ҳаққирона.

**ҲАҚИРОНА** [а+ф-т] рви, эск. Ҳаққирлик билан, ҳаққирларча.

**ҲАҚИҚ** [а ақиқ] 1 от Қизил, қирмизи рангли қимматбахо тош. Унинг ўнг қўлининг чинчалоғида ҳақиқ кўзли узуги бор. А. Ҳақимов, Илон издан. Улуғбекнинг қабри устига ажойиб ҳақиқ, марварид тошлар қўйилган. А. Толибов, Ўзбек мармари. **Марҳамат** пиёгани қўлига олиб, унинг ичиди қип-қизил, ҳақиқдай винога тикилди. Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси. Қоратўриқдан келган, сочлари ҳам қора, жингалак, олхўри кўзлари жисдий, бўртиб турган лаблари ҳақиқдек қип-қизил эди. Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

2 сфт Қизил рангга, қизил, қирмизи. Унинг сурма кўзлари, қайрилма қошлари чимирилган бўлса ҳам, ҳақиқ лабларида табассум мавж урар эди. Ойдин, Эр юрак.

**ҲАҚИҚАТ** [а] 1 Чиндан ҳам бўлган, бор нарса; ҳақиқий аҳвол. Мен ҳақиқатни айтдим. — Мулла Норқўзи бу одамнинг оддий ҳақиқатни англамагандан қойиди. А. Қаххор, Майиз емаган хотин. Вой тўғмай ўлай, эртақлар ҳақиқатга айлангантими дейман. Ойдин, Асл ёр. | Ҳақиқий аҳволга мос келадиган нарса, воқеа ёки ҳодиса. Сизнинг сармуний бўлишингиз ҳар ҳолда бир ҳақиқат эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Жонфигон катта** бир ҳақиқатни очишга шошилгандай, уйдан югуриб чиқди. А. Қаххор, Жонфигон. | Ростлик, тўғрилиқ. Ҳақиқат ўтда ҳам қуймас, сувда ҳам чўкмас. Мақол. Ширин ёл-



ғондан ачиқ ҳақиқат яхши. Мақол. || *Ҳақиқат гап.* || Сизнинг фикрингиз ҳақиқат. — *Ҳақиқат баҳса очилади, деб бекорга айтмаган Аристотель.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хўжабековнинг гапида бир оз ҳақиқат бор.* С. Анорбоев, Оқсой. | *Адолат, инсоф. Сизда ҳақиқат борми?* — *Биз Тошкент мардумлари бу тўғрида ҳақиқат томонидан собит қадам бўлмоққа тил беришурмиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Сиз бу нақа ташвиш тортаверманг отажон, ҳақиқат енгади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *филос.* Ҳақиқий ёки реал борлиқни киши онгида тўғри акс эттирувчи ишончли билим. *Табиёт илмининг, ер инсониятдан бурун мавжуд эди, деган фикри объектив ҳақиқатдир.* В. И. Ленин, *Материализм ва эмпириокритицизм.*

3 Ростлиги фанний йўл билан исботланган, тажрибада синалган ҳолат, ҳукм, фикр. *Шунинг учун ҳам марксча диалектика .. ҳақиқат ҳар доим конкретдир, деб ҳисоблайди.* Диалектик материализм очерклари.

4 *дин.* Илоҳиятни (худонинг борлигини) ўз-ўзидан англашиладиган, исбот талаб қилмайдиган, шубҳадан ташқари, аниқ бир ҳодиса деб тушуниш. *Ҳақиқат-тариқат хоинларга дум, Осарди-кесарди тўкиб қонлар.* А. Мухтор.

**ҲАҚИҚАТАН** [a] Чинакам, росткам, чиндан ҳам. *Гапингиз ҳақиқатан тўғри.* *Хатни ҳақиқатан мен ёзганман.* — *Ҳақиқатан, чол у ҳафтадан бу ҳафта бир неча жуфт бачкана маҳси тайёрлай олади.* Ойбек, *Кутлуг қон.*

**ҲАҚИҚАТГҲЙ** [a+ф-т] Ҳақиқатни, ҳақ ганини, тўғри сўзни гапирувчи, ростгўй. *Аввалги оқ кўнгил, ҳақиқатгўй, калтар Камолдан асар ҳам қолмабди.* Уйғун, Дўстлар. *Шарван тескари амалдоримиз, Аларга ёмиш йўқу боримиз, Ҳақиқатгўйлар оёқ остида, Муътабар бўлди фисқу коримиз.* Ҳамза.

**ҲАҚИҚАТДА** *рвш* Аслини олганда, ростини айтганда; амалда; ҳақиқатан. *Қишлоқлар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўринсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар.* А. Қодирий, *Обид кетмон.* [*Мутал:*] *Товуш қилма, ўласан! Мана шу чуқур ҳақиқатда сенинг учун қазилди.* Ҳамза, *Паранжи сирларни.*

**ҲАҚИҚАТЛАМОҚ** *с. т.* Ҳақиқат қилиб текшириб кўрмоқ.

**ҲАҚИҚАТЛИК** *ҳақиқат с. белиги оти.* *Ишчилар ҳаммаси большевик Василий Гладковнинг гаплари чин-ҳақиқатлигини тасдиқ қиладилар.* Н. Мақсудий, *Юксалиш.*

**ҲАҚИҚАТПАРАСТ** [a+ф-т] *кт.* Ҳақиқатга амал қилувчи, адолат билан иш тутувчи.

**ҲАҚИҚАТСИЗЛИК** Ҳақиқатга амал қилмаслик, ноҳақ иш тутушлик, адолатсизлик. *Аҳоли ғалаёнга келди, кўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.*

**ҲАҚИҚАТЧИ** Ҳақиқатга амал қи-

лувчи; одил. *Ҳақиқатчи судья.* *Фирибгар ёндиради, ҳақиқатчи қондиради.* Мақол.

**ҲАҚИҚИЙ** [a] 1 Чиндан ҳам бор, чиндан бўлган. *Ҳақиқий аҳвол.* *Ҳақиқий воқеа.* *Ҳақиқий факт.* *Ҳақиқий ҳодиса.* — *Ҳожи хола ўзининг кимлигини кўрсатадиган ҳақиқий саргузаштини шу ерда яшириб, ёлгон айта бошлаган эди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.* | *Тўғри, рост, ҳаққоний; асл, ўз.* *Текиширининг ҳақиқий натижалари.* — *Жангчилар унинг ҳақиқий номини аниқламасданоқ, унга «Варшавка» деб ном қўйдилар.* И. Раҳим, *Чин муҳаббат.* | *Амалда бор бўлган, чинакам.* *Ҳақиқий мустақиллик.* *Ҳақиқий демократия.* — *Фақир халқ учун,— деди бир ўтинкаш,— ҳақиқий озодлик, тўқлик шўролар мамлакатида — большевиклар юртида.* Айний, *Қуллар.*

2 Вафолик йўлидан қайтмайдиган, ҳеч айнимайдиган; самийий. *Ҳақиқий дўст.* *Ҳақиқий жонкуяр йиғит.* — *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий жасур курашчилар лозим.* Ойбек, *Нур қидириб.* — *Бу — ҳақиқий севи.* *Бир-бирларини севадилар», деб ҳаёлидан кечирди Элмурод.* П. Турсун, *Ўқитувчи.* | *Асл, чин.* *Ҳақиқий олим.* — *Ҳақиқат учун курашбди, ҳақиқий инсон экан дадангиз.* Ойбек, *Нур қидириб.*

◆ **Ҳақиқий аъзо** илийи ташкилотнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзоси. *Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.*

**ҲАҚИҚИЙЛИК** *ҳақиқий с. белиги оти.* *Воқеанинг ҳақиқийлиги.* *Ҳужжатнинг ҳақиқийлиги.*

**ҲАҚЛИ** 1 Бирор ишни бажаришга қонуний ҳуқуққа эга; ҳуқуқли. *Сайловга ҳақли кишилар.* *У пенсия олишга ҳақли.* — *ЎзССР ташиқи давлатлар билан бевосита алоқа боғлашга ҳақлидир.* — *ЎзССР Конституцияси.*

2 Бирор иш-ҳаракат қилиш учун асосан бор, бирор иш-ҳаракат қилиши ўринли, тўғри. *Бу гуноҳим учун қойишга ҳақлисан.* *Шундай дейишга ҳақли эдинг.* — *Энди менга жавоб берингиз-чи!* *Бу ёмонликларингизда сиз ҳақли эдингизми?* А. Қодирий, *Утган кунлар.* | *Ҳақиқатга тўғри келадиган; ўринли, тўғри.* *Ҳақли савол.* *Ҳақли эътироз.* — *Мадамин гўё ўзининг ҳақли муддоасини тушунтиролмаганидан ичи куйиб, пишқирди ва ўтирган ерида у ёқдан-бу ёққа тўлғанди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

**ҲАҚЛИЛИК** *ҳақли с. белиги оти.* *Ғуломжон мантқиқли тадбири билан тўғрилигига, ҳақлилигига ишонч турғирувчи бамаъни гаплари билан Азим Тажанга ёқиб қолган эди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.*

**ҲАҚОРАТ** [a] 1 Кўпол сўзлар билан кимсанинг обрўйига, иззат нафсига тегиш, сўқниш. *Бу ерда қандай ҳақоратлар эшитган, қандай хўрликлар кўрган, қандай азоблар чеккан бўлса, ҳам-*

*маси унинг юрагида мудҳиш хотира бўлиб қолди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.* *Бўронбек Зийдиллани койиди, сўқди, ҳақорат қилди.* Х. Ғулум, *Машғал.*

2 Кишининг иззат нафсига тегадиган, камситадиган, ранжитадиган кўпол ва ўринсиз муомала, ортиқ даражада хурматсизлик, таҳқир, таҳқирлаш, хўрлик. *Ҳақорат қилмоқ.* — *Мен ҳам тўйдим бу хўрлик, бу ҳақоратдан!* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.* *Пирназар полвон тут тагида нес бўлиб турар, бу тўй унга ҳақоратдай, майнавозчиликдай туюларди.* Р. Раҳмонов, *Меҳр кўзда.* *Онасиз етим — шум етим, деганларидек, Умид шумшуклик ҳақоратини обдан тотган етим эди.* Мирмуҳсин, *Умид.*

**ҲАҚОРАТЛАМОҚ** 1 Ёмон сўзлар билан таҳқир этмоқ, сўқмоқ. *Эски шолчалар билан ўзига кичкина дўконча қилиб олган қари аттор садақага қўла чўзган гадойни ҳақоратлаб, паранжили жувонларга кўз қисади.* Ш. Тошматов, *Эрк қуши.*

2 Кимсани ортиқ даражада камситмоқ, хўрлатмоқ.

**ҲАҚОРАТЛАНМОҚ** *ҳақоратламоқ фл. ўзл. н.* *У ҳақоратланган, камситилиб, бетига туфланган одамдай кўкрагини кўтаролмай ётди.* Мирмуҳсин, *Умид.*

**ҲАҚОРАТЛИ** Сўкиш, таҳқирлаш ёки камситиш, хўрлаш учун ишлатиладиган; таҳқирян. *Ҳақоратли сўз.* *Ҳақоратли муомала.*

**ҲАҚОРАТОМУЗ** [a+ф-т] Кўпол, ҳақоратга ўхшаб кетадиган. *Ўзининг ҳақоратомуз кинолларига яраша дадиллик билан жавоб қайтаргани учун [Қаландаров] Саидани «Йўқол!» деб идорадан ҳайдаб солади.* А. Қаҳҳор, *Синчалак.*

**ҲАҚРАҲА** [ф-т] Кўшнининг ери, ҳовли-жойидан ажратиб олинган йўл. *Кўшинига ҳақраҳа бермоқ.* | Йўлнинг хонадон эшиги олдидаги қисми. — *Фуқаро! Ҳозирдан бошлаб ҳар ким ўз кўрғон ва ҳақраҳаларини сутуриб, тозалаб, сув сепаб қўйсин!* — *жар солди Қулаҳмад оға.* Мирмуҳсин, *Чўри.*

**ҲАҚРОСТ** [a+ф-т] Тўғри, ҳақиқат. *Айтингчи, оға, Николайдан қутилдик, бу ҳақрост, лекин оқибат нечук бўлар экан?* Ойбек, *Улуғ йўл.* [*Ҳатам:*] *Моя оласи сиртида, одам оласи ичида дейдилар.* *Ҳақрост!* Н. Сафаров, *Ҳаёт мактаби.*

**ҲАҚСЕВАР** Ҳақни сеувчи, ҳақ ишни, ҳақиқатни, адолатни сеувчи. *У чоқдан ўзбекнинг ҳақсевар руҳи Кўшилди Шимолнинг равшан фикрига, Социлиди тўпроққа иқбол уруғи, Жон тикдик ҳуррият гулни меҳрига.* Шайхзода.

**ҲАҚСИЗ** 1 Бирор нарсага ёки иш-ҳаракат қилишга ҳақи йўқ, ҳуқуқдан маҳрум этилган. *Йигитли қалбида Дилнавозга бўлган севи сўнмаган, аксинча қарама-қарши фикрлар кўланкасида уни йўлаб бедор ўткарган тунлари ҳам кўп бўларди.* Аммо бу ҳақда

ўйлашга ўзини ҳақсиз санарди. С. Кароматов, Тоғ гўзали. | Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс. Бир вақт шўрога сайлов олдига ҳақсизлар рўйхати қишлоқ кўчаларига ёпиштирилиб қўйилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ноҳақ, ўринсиз; нотўғри. *Ҳақсиз айблаш. Ҳақсиз жазо.* — [Отабек] ўлганнинг устига чиқиб тепиш қабилдан бўлган ўз ҳужумининг ҳақсиз эканига тушунди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор иш-ҳаракат қилиш учун асоси йўқ; ўринсиз ёки нотўғри иш тутадиган. *Йўлчи чакки одамларни топмади, Ёрматнинг ҳақсиз эканига ишончи кундан-кун ортди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲАҚСИЗЛИК** 1 Бирор ҳуқуқдан маҳрум этилганлик.

2 Адолатсизлик, ноҳақлик. *Подшонинг мардикор олиш тўғрисидаги фармони устида сўз қўзғаларкан, халқ ҳар хил жабр, зулм, ҳақсизликлардан аччиқ шикоят қилар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Менинг бошимга .. ҳақсизликлар, хўрликлар, ҳақоратлар .. тушигандан кейин, .. оқу қорани анча фарқ қиладиган бўлдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАҚҚАСТ** [а+ф-т]: ҳаққаст рост ҳақиқатан тўғри, чинакам рост. *Ҳайдар .. чой хўплар экан кўнглига келган фикрларни [онасига] гапириб берди.* — *Ҳаққаст рост, — деди Содиқа хола ўғлининг сўзини эшитиб.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. | Сухбат вақтида бирор киши аксирса, айтилаётган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ишлатилади. *«Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳаммиса пайванддир» .. Шу вақтда кимдир, бурунаки отгандек, қайта-қайта ашурди [аксирди]. «Ҳаққаст рост!» — бўёқчига қаради чол.* Ойбек, Навоий.

**ҲАҚҚОНИЙ** [а] Ҳақиқатга тўғри келадиган; тўғри, рост; одилона. *Ҳаққоний иш. Ҳаққоний гап. Ҳаққоний танқид.* — *Матбуотда халқ ҳаёти ва қишлоқ аҳолига доир ҳаққоний бир сўз ҳам йўқ.* Ойбек, Нур қидириб.

**ҲАҚҚОНИЙЛИК** ҳаққоний с. белги оти.

**ҲАҚҚОНИЯТ** [а] 1 Одилик, тўғрилиқ. — *Бу катталаринг баъзи вақтда ҳаққониятдан чизи тошиб кетади, — деди Али тажанг жиддий, — қани, кўрамин!* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Чиндан ҳам бор ёки бўлган нарса, воқеа, ходиса; ҳақиқат. *Бу ҳаққониятга тўғри келади. Ҳаққониятга зид хулоса.*

**ҲАҚҚОНИЯТСИЗ** Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ҳаққоний эмас; нотўғри, адолатсиз.

**ҲАҚҚОНИЯТСИЗЛИК** Ҳақиқатга зид, ноҳақ иш тутиш, ҳаққоний эмаслик; адолатсизлик. *У ҳаққониятсизликка чидай олмайди.*

**ҲАҚҚУВ** айн. ҳаққуш. Қаптарлар ҳалқа бўлиб, ҳаққулар ҳақ-ҳақ деб, қумрилар дўст тортиб, ғазалайлар

сайраб, боққа оройиш бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди. «Равшан».

**ҲАҚҚУШ** Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда.

**ҲАҚ-ҲУҚУҚ** Қонунга асосланган ва бирор ҳаракат қилишга имконият берадиган одатлар мажмуи, эркинлик, ҳақ ва ҳуқуқлар. — *Ерингни қарзинг бадалига олишга ҳам ҳақ-ҳуқуқим бор, — деди тўра Пирнафасга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ҲАҲ** унд. с. Норозиликни ифодалайди. *Ҳаҳ, ҳали оқибат шуми? Ҳаҳ, чўчитвординг-ку!* | *Дўқ, пўнсанни ифодалайди. Ҳаҳ, ҳали қараб тур, адабингни ейсан!* — *«Ҳаҳ! Сен ҳали менинг шоирлигимни назарингга илмидингми!» — деб [подшо] афандини уч кун отхонага қамаб қўйишни буюрди.* «Латифалар».

**ҲА-ҲА** унд. с. 1 Бирор иш-ҳаракатга ундаш, қўлаш маъноларини ифодалайди. *Ҳа-ҳа, тез бўлинглар! Ҳа-ҳа билан деворни тикка қилиб олдик.* — *Кўришимасдан илгари Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қўйиб тутди, «ҳа-ҳа, тарала» билан тик туриб ичишди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 айн. **ҳа-а.** *«Ҳа-ҳа, — деди Ольга Петровна, ажаблангандек. — Бувининг оти нима?» — «Бувим», — деди Тўтиқиз ишонч билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲАҲАЛАМОҚ** 1 Ҳайвонларни юргизишга қўлаш, тезлатиш учун турли овоз чиқармоқ, бақирмоқ. *Мўрдак арава яна тепаликка кўтарилди; аравакаш билан навкарлар ҳаҳалаб отга қамчи уришди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 Турли сўзлар билан ишга рағбатлантирмоқ, далда бермоқ. *Улар [колхозчилар] тўғонларнинг тахта ва қозиқларини йўниб, михлаб сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва бақироқ Полвон оталар ҳаҳалаб кўмаклашмоқдалар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҲАҲАЛАШМОҚ** ҳаҳаламоқ *фл. бирг. н.* Одамлар тиззаларидан лойга ботиб, ҳарчанд аравани филдиракларидан итаришса ҳам, отни жиловидан тортиб ҳаҳалашса ҳам, лойдан чиқаришолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ширин, Шакар қаландарлар, Қувиб юрур ҳаҳалашиб.* «Ширин билан Шакар».

**ҲАҲАЧИ** Турли сўзлар билан ишга рағбатлантириб, далда бериб турувчи. *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишади. Энди ҳаҳачи Холдорнинг рафиқаси Қосимова жонга оро кирди.* В. Маҳкамов, Айбсиз айбдорлар.

**ҲАҲА-ҲАҲА** унд. с. Таажжуб, тасдиқ билдиради. *Омон ҳам менинг гапимга пок учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳа-ҳаҳа» деб қўяр эди.* Ф. Гулом, Шум бола.

**ҲА-ҲУ:** ҳа-ху дегунча ана-мана де-

гунча, тез орада, бирпасда. *Ҳа-ху дегунча тез ёрдам машинаси етиб келди.* Ҳ. Зиёхонава, Арзанда. — *Ҳа-ху дегунча ўрта мактабни битириб, институтга ҳам кирдик, — деди Нодир Кундузхонга.* И. Аҳмедов, Оғир операция.

**ҲАҲҲА** унд. с. Таажжубланиш, эътироз, ғазабланиш каби туйғуларни ифодалайди. *Ҳаҳҳа! ҳали шундай ишлар бўлдимми?*

**ҲЕ I «Х»** харфининг номи.  
**ҲЕ II унд. с. I** Мурोजат, чақирик пайтида ишлатилмаган нидо; эй, ҳей. *Ҳе, бормисиз, биродар!* — *Ҳе тақсир!* — *деди Афанди.* — *Сиз гап бошлаганингиздан буён оғзимни шунча очдимки, у йирилиб кетадиган даражага етди.* «Латифалар».

2 Норозилик, нохушлик маъносини ифодалайди. *Ҳе, нимасини сўрайсиз, Афанди! Ишлар чатоқ! «Латифалар».* *Ҳе, бу уруш боша битган бало бўлди-ку!* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Жирканиш, нафрат билдиришда, қарғаганда ишлатилади. Ҳе, лаънати! Ҳе, башаранг курсин!*

◆ **Ҳе йўқ, бе йўқ** дабдурустдан, ҳеч асоссиз, сабабсиз, бирор нарсага асосланмасдан, сўриштирмасдан. *Шаҳарга тушган эдим, бойвачча, маҳаллама, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдусамдани аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲЕЗ [ф-т]** 1 Жинсий қуввати заиф эркак.

2 айн. **ҳезалак** 2. *Ухлаганим йўқ, й-й-йўқ, ҳез, доридан куй-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҲЕЗАЛАК [ф-т]** 1 айн. **ҳез** 1.

2 *нафр. сўк.* Ўз сўзи, ваъдасининг, устидан чиқмайдиган, бирор ишни бажариш қўлидан келмайдиган; хотинчалиш, номард. *Вой ҳезалак-ей. Шундан қўрқдингми?! — Раҳмонқул Бекнинг урушда қочганини айтиб, «ҳезалак», «хоин» деб сўкди.* Ҳ. Гулом, Маштал.

**ҲЕЗАЛАКЧАЛИШ** айн. **ҳезалак.**  
**ҲЕЗИМКАШ [ф-т]** айн. **ҳезалак.**  
**ҲЕЗЛИК** *ҳез с. белги оти.*

**ҲЕЗУМКАШ [ф-т]** *эск. кт.* Дала-тоғдан ўтин териб сотувчи киши; ўтинчи.

**ҲЕЙ** айн. **ҳе II.** *Ҳей, нега серрайиб турисан? Ҳей, кимсан ўзинг?*

**ҲЕМИРИ:** **ҳемири** ҳам йўқ с. т. бирор тийин ҳам йўқ. *Аъзамга шивирлайман: «Чўнтагимизда ҳемири ҳам йўқ, аравакашдан уятку, ахир».* Ойбек, Болалик.

**ҲЕМИРИЛИК** с. т. Бирор тийинга арзийдиган; заррача, сира, асло. *Улар ҳемирилиқ ҳам хизмат қилгани йўқ.* — *Ҳемирилиқ иши йўқ. Отаси ўлганига ўн беш йил бўлиб қолди — шундан буён ҳар қанақа ишни йиғиштирган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲЕМИРИЧА** с. т. Ҳемирилиқ. *Бонларимизнинг, қозикалонларнинг ғариблар аҳолидан ҳемирича иши йўқ,*

эл фойдасини сира ўйламайдилар. Ойбек, Улуғ йўл.

**ҲЕЧ** [ф-т] бўлишсизлик олми 1 Бутунлай, сира, асло, мутлақо. *Ҳеч кераги йўқ. Ҳеч ташиши тортманг. Ҳеч хоҳламади. Ҳеч ўйламадан. У ҳеч қўрқмади. Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса, чўл бўлур.* Мақол. — *Қишлоққа Йўлдош Охунбобоев келиб кетибди. Охунбобоев суратларига ҳеч ҳам ўхшамас эканлар,— деди Хадича хола. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор марта, умуман. Сиз ҳеч кинога борасизми? — Ҳўш ўртоқ Раҳимжон,— деди Шариф.— Эҳсондан ҳеч хат олмасизми? А. Қаҳҳор, Сароб. | Бирорта, озгина бўлса ҳам. Қўдада ҳеч одам йўқ. Унинг ҳеч нарсаси йўқ. Ҳеч бир нарса ёки кимсани тўла инкор этишда қўлланиб, «сира», «мутлақо» маъноларини ифодалайди. Сен билан ҳеч бир ишим йўқ. — Бироздан кейин сўғорсанг, нима, зарар бўладими? — Йўлчи ўқрайиб қаради Ерматга: Ҳеч бир! .. Бир бечоранинг экини қовжираса дурустми? Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳеч боқисми йўқ қ. бок. Ҳеч бўлмаганда ёки ҳеч бўлмаса сира иложи бўлмаган тақдирда ҳам, лоақал. Ошдан ҳеч бўлмаса, бир ошам олинг! Ҳеч бўлмаса, битта савол бериб қўйин! Ҳеч вақт айн. ҳеч қачон. Биздан Мирзакаримбой ҳеч вақт зарар кўрган йўқ. Пахта йилдан-йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳеч ер ёки ҳеч жой айн. ҳеч қаер. У ҳеч ерга (жойга) боргани йўқ. Уни ҳеч жойда учратмадик. Ҳеч ёқ айн. ҳеч қаер. Кеча ҳеч ёққа бординми? Ҳеч ёқда бунақаси топилмади. Ҳеч ёқдан қўшимча даромад йўқ. Ҳеч жаҳонда (таажжуб билдирганда қўлланилади) дунёда бирорта бўлса ҳам; ҳеч қаерда. Ҳеч зог йўқ қ. зог. Ҳеч ким бирор киши ҳам. Бу ишни ҳеч ким билмайди. Ҳеч кимдан эшитмаган гапни сендан эшитдим. Эртадан бери ҳеч ким келмади. — Бойнинг ташқарисидан Йўлчидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳеч кими йўқ бирор яқин кишиги, ота-онаси, қариндош-уруғи йўқ. Бу бечоранинг ҳеч кими йўқ эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳеч кимса айн. ҳеч ким. Ҳеч кимса келмади. Уйда ҳеч кимса йўқ. Ҳеч нарса арзimas бирор нарса ҳақида. Уйни қараб чиқди, ҳеч нарса тополмади. Бу пулинга ҳеч нарса бермайди. Унга ҳеч нарса дея олмадим. — Шундай бўлса ҳам Сидиқжон, унинг юзида истеҳзоли бир табассум бор гумон қилиб, ер остидан қаради. Бироқ жувоннинг юзида самимият, софдилликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ бирор асоси, сабаби бўлмагани холда, бекордан бекорга. У ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, бирдан дод деб юборса бўладими? Ҳеч нарса қилмайди зарар қилмайди, эниёни йўқ, зарарсиз, хавфсиз. Ҳеч нима айн. ҳеч нарса. Мен ҳеч нимани кўрмадим. Ҳеч*

нима эшитмадим. — [Мирзакаримбой:] Шундай одамлар борки, ўзларига ҳеч нима йўқ, бошқанинг мулкиса ҳасад қилади, кўролмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳеч қаер кўзда тутилган жойларни, ҳамма жойни инкор этиш учун қўлланади.— Қаеринг оғриятми? — Ҳеч қаерим оғригани йўқ. Иш билан банд бўлиб ҳеч қаерни томоша қила олмадик. У ҳеч қаерга кетмайди. — Сидиқжоннинг нияти шу кетишида ҳеч қаерда тўхтамасдан, тонг отгунча, юриб бўлса ҳам, капсанчиларга борши .. эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳеч қаёқ айн. ҳеч қаер. Ҳеч қаёққа бормайман. Ҳеч қаёқдан хат-хабар йўқ. Ҳеч қаёққа қарамай теварак-атрофга қарамасдан; хаёлини бўлмасдан. Йўлчи мўл-мўл тер қуйиб, ҳеч қаёққа қарамай ишлайберди. Уроқ ўткир эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳеч қайси бир қанча кимса ёки нарсалардан бирортаси ҳам. Бу уйларнинг ҳеч қайсиси менга ёқмайди. У ерга ҳеч қайсимиз борган эмасмиз. || Ҳеч қайси одам. Ҳеч қайси от бизнинг саманчилик йўргали олмайди. Ҳеч қандай бирор нарсани тўла инкор қилиш учун «ҳар қандай бўлса ҳам», «озгина бўлса ҳам», «мутлақо», «сира» каби маъноларда қўлланади. Ҳеч қандай фикр билдирмади. Ҳеч қандай жанжал эмас. Ҳеч қандай фарқ қилмайди. Ҳеч қандай камчилик топилмади. Ҳеч қанча озгина бўлса ҳам тилга олгудек. Орадани ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Бу юкнинг ҳеч қанча оғирлиги йўқ. Ҳеч қачон ҳар қандай шароитда ҳам, мутлақо, асло, сира. Ҳеч қачон бормайман. — Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади, Урмонжон буни ҳеч қачон ҳисоблаб кўрмаган бўлса керак, жавоб бера олмай илжайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Биронинг гапи ёки фикрига инкор жавоб беришда қўлланиб, «мутлақо», «асло» маъноларини ифодалайди.— Бу миш-мишларни сен тарқатгансан! — Ҳеч! — Уша хатни сен ёзибмидинг? — Ҳеч-да! — Ана сизнинг Ойимхон опангиз. Уқуш билан ақли кўпайиб, менинг ақлимдан ошиб кетибдими? Ҳеч! Уша Ойимхон — ўша. У менга эмас, мен унга ақл ўргатаман! — деди Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Йўқ деса бўладиган даражада, сира арзимайдиган даражада, йўқдек. Лекин .. унинг бундай ҳаракати, қизнинг улғу қалби ва севгиси олида ҳеч эканини чуқур сезди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳечга чиқмоқ йўққа чиқмоқ, хабада бўлмоқ, бекор кетмоқ. Шунча ҳаракатларим ҳечга чиқди. — У [Кумуш] ерга тушган ҳар бир яроқда ўзининг таржимаи ҳолини ўқир, ўзини-да мавқеидан айрилиб, ҳечга чиқиб турган шу хазонлардан айира билмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳеч гап йўқ қ. гап 1. Ҳеч гап эмас нолишга арзимайдиган, осон, енгил (қийин, оғир кўринган иш-ҳаракат ҳа-

қида). Бу дарахтларни қулатиш сизлар учун ҳеч гап эмас. — Бу қийинчиликми, бу ҳеч гап эмас. Бу қари бошим кўпни кўрди, яна кўради,— деди Шоқир ота. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲЕЧКИСИ:** ҳечқиси йўқ зарари йўқ, ҳеч нарса бўлмайди (арзimas нарса ҳақида). Ҳечқиси йўқ, хафа бўлма. — «Бўйрадай жойга шолғом эккан одамга ҳам сувми!» [деди Ермат]. Йўлчи пинаеини бузмай, одатда гапиргандай деди: — Ҳечқиси йўқ, мўйсифид, бечора одам экан, дуосини олай, дедим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲЕЧҚУРСА** диал. Ҳеч бўлмаганда, лоақал. Маъмуржон илгариги хатти-ҳаракатларидан ҳечқурса бирортасини тақрорлаганда эҳтимол, Ойна опа у ҳақда тезгина бир тўхтама келган бўлармиди. Ш. Холмирозев, Тўлқинлар.

**ҲЕХ** унд. с. Норозиликни ифодалайди. Ҳеҳ, шу ҳам гап бўлдими? Ҳеҳ, сени қараю.

**ҲЕ-ҲА** унд. с. Таажжуб ифодалайди. Мадёров .. энгашиб, Майнанинг гимнастёрка елкаларидаги уч бурчакли белгичаларини текширди.— Ҳе-ҳа, эввод командирисиз-ку. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҲЕ-ҲЕ** айн. ҳе-ҳа.  
**ҲЕ-ҲЕ-ҲЕ** тақл. с. Босиқ кулгини ифодалайди. Мастлик қурсин, тоза машина қилибман, ҳе-ҳе-ҳе, совуқ кулди боёвачча. Ойбек, Қутлуғ қон.  
**ҲЕХ-ҲА** айн. ҳе-ҳа.— Бу ерда жафо чекканлар йўқ дейсизми? Ҳеҳ-ҳа, тўлиб ётибди,— деди Абдуваҳоб. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ҲЕХ-ҲЕ** айн. ҳе-ҳа. Ҳеҳ-ҳе, соат ўн бўлиб қолибди-ку? Ҳеҳ-ҳе, ҳали қанча ишлар турипти!

**ҲИБС** [а] эск. Озодликдан маҳрум қилиш, қамаш, қамок. Ҳибсае олмоқ. — Кечкурун уни Ҳибсае оладилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Кўк минор эшигидан чиқishi биланоқ, уни навкарлар салом-аликсиз Ҳибсае олиб, қўлларига кийан урди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ҲИБСХОНА** [а+ф-т] Қамаб қўйиладиган жой, қамоқхона, турма. Тахтапулнинг остида кейинги вақтларда эшиги бекитилиб, номаълум қилиб қўйилган «канахона» номли, амирнинг Ҳибсхонаси бор эди. Айний, Эсдаликлар.

**ҲИД** 1 Ҳар бир нарса ва модданинг кишиларнинг ис билиш сезгиларига таъбир этадиган хоссаси; бўй, ис. Ҳиди бор нарса. Ёқимли ҳид. Ёқимсиз ҳид. Вино ҳиди. Ҳид сочмоқ. Ҳид сезиш қобилияти. Ҳар гулнинг ҳиди бошқа. Мақол. — Ота, манови беҳиларни қаранг, ҳиди оламни тутуди, бирам пишибдикми! — деди саман отлик чарақлаб кетган шахло кўзлари билан ҳамроҳиға қараб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг [Йўлчининг] бурнига урилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Тутаб куётган от эти ва терисининг қўланса ҳидидан унинг

кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди. Х. Ғулум, Машғал.

2 кўча Бирор нарса, ҳодиса ёки ҳолатнинг белгиси, шарпаси. Қишининг ҳиди билинмоқда. Ёлғирнинг ҳиди келмоқда. — Бунинг ҳар бир варағида шахсий ғараз ҳиди қолади. А. Қаҳҳор, Сароб. — Газит-пазит ўқимасак, орқада қолсак қолгандирмиз. Ҳайтовур ахир замоннинг ҳиди келаятир, дейман-а! — деди мулла Мамасолиҳ. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. **Хид олмоқ** бирор нарсадан хабардор бўлишга уринмоқ. Дамба вақтида кетиб қолганлар ҳам атрофимизда айланиб, хид олиб юрган эмиш-ку. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Хиди чиқади** хабари эшитилади, дарағи билинади, ошкор бўлади. Шояд шу билан Ойнагулнинг ҳам хиди бирон жойдан чиқиб қолса. А. Ҳакимов, Илон изидан. **Хидини билмоқ** бирор нарсадан хабардор бўлмоқ. Ёлғон бўлмаса ҳам эртага чатоқ бўлади: бунинг ёлғонлиги маълум бўлгунча далада иш тўхтаб қолади, ё Сафаров билан Самандаров шунинг хидини билиб районга кетган эканми? А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ХИДДАТ** [а] Кескинлик, тезлик, шиддат ёки ғазаб билан иш тутиш. Нафрат ва хиддат билан тўлиқ бу дудил овоз ҳаммани ҳайрон қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХИДДАТЛАНМОҚ** Кескинлашмоқ, шиддатланоқ; ғазабланоқ. Ғулумжон калласини баланд кўтарди, кейин мингбошига юзланиб, мўлтираган, жовдираган кўзлар билан эмас, нафратланган, хиддатланган кўзлар билан қараб туриб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХИДЛАМОҚ** Хидни бурунга тортомоқ, искамоқ. Йўлчи виқони хидлаб юзини буруштирди-да, йўқ, — дея бошини чайқади. Ойбек, Қутлуғ қон. Анвар .. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғанган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокиллариининг муаттар бўйини узоқ хидлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Отлик .. беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб уни хидлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХИДЛАНМОҚ** Бузилиш туфайли ёқимсиз хид пайдо қилмоқ. Гўшт хидланибди. Хидланган гўшт.

**ХИДЛАНТИРМОҚ** хидланмоқ фл. орт. н. Гўштни хидлатириб қўймоқ.

**ХИДЛАТМОҚ** хидламоқ фл. орт. н. Гул хидлатаман. Дори хидлатмоқ.

**ХИДЛАШМОҚ** хидламоқ фл. бирг. н.

**ХИДЛИ** Хиди бор; исли. Хидли гул. Яхши хидли совун. — Атир хидли лолалар-ла Безанандир келажак йўлинг. Ғайратий. Хуш хидли ҳаводан ўпка тўлдириб нафас олинган келади киши. А. Раҳмат, Варрақчи чол.

**ХИДОЯТ** [а] 1 Фойдали йўналиш, тўғри йўл бошлаш. Хидоят қилмоқ. — Подани залолатдан қутқазиб, хидоятга бошлагани лозим! А. Қодирий, Обид кетмон.

2 дин. Худо томонидан белгиланган тўғри йўл; ислом дини.

3 Хидоят (эркаклар ва хотин-қизлар исли).

**ХИДСИЗ** Хиди йўқ. Хидсиз гул. Хидсиз олма.

**ХИЖЖАЛАМОҚ** 1 Сўзни бўғинларга ёки айрим қисмларга бўлиб талаффуз қилмоқ. **Хижжалаб ўқимоқ.** **Хижжалаб ўқиламоқ.** — **Ҳафтиякни хижжалаб ўқувчи,** чор китобга, **Хўжа Ҳофизга тушган шогирдларим ҳам бор.** М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Солижон жинчирақ ёқиб, хатни хижжалаб ўқий бошлади.** Ж. Шарипов, Хоразм. **Содиқ темирчи кечаги тафтиш асосида тузилган узундан-узоқ актни, баъзи ерларида тутилиб, бошқа ерларида хижжалаб, икки соатча ўқиди.** Х. Ғулум, Машғал.

2 кўча Синчиқлаб ўрганмоқ, бирма-бир кўздан ўтказмоқ. **Уч марта хижжалаб чиқиб, калаванинг учини тополмай гарангеман.** Т. Алимов, Ишқилиб ўқимаган бўлсин-да! Уни [вакилни] объектма-объект бошлаб юраркан, ҳар рақамга ёпишиб хижжалай бериши сил қилиб юборди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ХИЖО** [а] эск. айн. бўғин.

**ХИЖОБ** [а] Юзга тутилиган парда, тўсиқ. **У юзидан хижобини кўтарди.**

**ХИЖОЛАМОҚ** айн. хижжаламоқ 1.

**ХИЖОЛИ** эск. айн. бўғинли. **Ўзи бир хижоли кичкина бир сўз,** Аммо эга эрур катта маънога. Уйғун.

**ХИЖРАТ** [а] 1 эск. кт. Ўз жойини, мамлакатини тарк этиб, бошқа жойга кетиш, кўчиш. **Хижрат қилмоқ.**

2 Муҳаммад пайғамбарнинг ўз саҳобалари билан бирликда Маккадан Мадинага кўчиши (бу воқеа милодий 622-йил 16-июль кунин бўлиб, ислом тарихи ва мусулмонлар йил санаш системаси шу кундан бошланган).

◆ **Бу дунёдан хижрат қилмоқ** ўлмоқ, вафот этмоқ.

**ХИЖРИЙ** [а] Мусулмон йил ҳисобига тегишли. **Хижрий йил ҳисоби.** — **Мен абжад ҳисобини билганим учун у шеърдаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим.** **Ҳақиқатан ҳам ундан ўша йилнинг санаси бўлган хижрий 1303 чиқарди.** Айний, Эсдаликлар. **Унг томондаги тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Маърифатхон жаннат макон» деб ёзилган ва хижрий билан «1335», деб тарих қўйилган эди.** А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**ХИЖРИЙ** [а] айн. хижрий. **1264 хижрия, дала ойининг ўн еттинчиси,** қишқи кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитилади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХИЖРОН** [а] поэт. Айрилиқ, жуздоллик, фироқ. **Булбул кетди, гул қолди, Уртога тушди хижрон.** **Иигит ҳам соғинади, Ер бағри лоладек қон.** Х. Олимжон. **Бахтиёр севгини куйларди созим, Улим ханжарига тегди-ю сунди, Хижрон фарёидай соғуқ**

овозим, Наҳот лириканинг ёқини тинди? Зулфия.

**ХИЖРОНЗАДА** [а+ф-т] Хижрон туфайли азоб чеккан, эзилган. **Икки хижронзада хотиннинг кўзлари жиқ-қа ёшга тўлди.** С. Аҳмад, Уфқ. **Дорға изтиробга тушди, юраги эзилди, шоир кўз ёшини артар экан, кекса капитаннинг ўзи ҳам хижронзада эканлиги билинди.** А. Абдуллаев, Қувғинда.

**ХИЙЛА** [а] Алдаш учун ишлатилган йўл, ҳаракат усули; макр, фириб.— **Душман маккор,— деб тақдорлади Юрвев,— хийла билан тинкамизни қуришмоқчи.** И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Қиз полициянинг даҳшатини яхши билар, уларга кўп учраган ва кўп дафъа турли хийлалар билан қочган.** Ойбек, Нур қидириб. | Бирор мақсадга эришиш ва бирор қийинчилик, ҳавфдан қутулиш учун зиндан ишлатилган тадбир, чора.— **Башарти дадамиз хуфтонни ўқимай келиб қолса, бунинг хийласи осон; дарров анави гулнинг тағига яширинамиз,— деди Анвар Рағнога.** А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Қудрат Қолянинг хийласини энди англаб, роса қойил бўлаганидан ўзини орқага ташлаб кўздан ёш чиққунча қотиб қулди.** Х. Назир, Сўнас чакмоқлар.

◆ **Хийлан шаръий шарият ман қилган** ишни хийла билан амалга ошириш, гуноҳдан қутулиш учун ишлатилган тадбир.

**ХИЙЛАГАР** [а+ф-т] Хийлаю найранг ишлатувчи; найранғбоз, фирибгар, маккор. **Ўқитувчи давом этди: — Шундай қилиб оми халқ хийлагар одамларнинг бўлмагур гапларига ишониб қолди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Сен билмайсан, жоним, улар хийлагар, Ўлмай қолса, ҳамиша пайингда юрар.** «Ширин билан Шакар». **Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар, Пишқиради билмай тинимни, Хийлагар ой, сеҳрлар дилбар, Солиб қўйдинг ёдимга кимни?!** Х. Олимжон.

**ХИЙЛАГАРЛИК** хийлагар с. белги оти. **Эшонман деб мени нодон билмагин, Хийлагарлик қилиб, бекор ўлмагин.** «Едгор».

**ХИЙЛАКОР** [а+ф-т] айн. хийлагар. **Ёлғончи, хийлакор бой — Доғули ҳасис Холвой, Ҳаммага бериб озор, Кўпларни йиғлатиб зор, Яшарди тегиб жонга.** Уйғун. **Билъак сиз: хийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йиғит.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХИЙЛАКОРЛИК** хийлакор с. белги оти. **Хийлакорликда у [Ашур] Шерназарбойдан ҳам ўтар эди.** Ж. Шарипов, Хоразм.

**ХИЙЛАКОРОНА** [а+ф-т] рвш Хийлагарга хос равишда, маккорона. **Мирсодиқ сакраб чорпога чиқди-да, Жаншининг елкасидан ушлаб ўнганлиб ўтирди ва хийлакорона илжайиб суриттира кетди.** Х. Шамс, Душман.

**ХИЙЛАЛИ** Хийла ишлатилган, алдаш учун қилинган.

**ХИЙЛА-МАКР** Хийла ва макр, хийлагарлик, айёргарлик.

**ХИЙЛА-НАЙРАНГ** Хийла ва найранг, хар хил хийлалар, хийла-макр. Эҳтиёт бўлишим керак. Яна бир хийла-найранг тўқнаганга ўхшайди. Ойбек, Кутлуг қон.

**ХИЙЛАСИЗ** Хийла ишлатилмайдиган, бехийла, алдовсиз. **Хийласиз иш.**

**ХИЙЛАЧИ** с. т. Хийлагар.

**ХИКМАТ** [а] 1 Ута донолик, доношманглик; заковат, ақл-идрок. *Оз емак — тани соғлиқ, оз демак — ҳикматга боғлиқ.* Мақол. — Боболарнинг ҳикмати Ҳаётга ёруғ йўлди: Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл, дер. Э. Воҳидов. Подишоҳ билан шерга яқин бўлмақ ҳикматдан эмасдир. «Эртаклар». «Курашмоқ — ўрناق бўлиб яшамоқ демакдир!» — деган эди муаллимнинг, файласуфларнинг ҳикмати баён қилиб. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Тағни англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб; сир. Бунда бир ҳикмат бор. Хар бир ангеликнинг бир ҳикмати бор. — Билим бирла барча ҳикмат. Ҳабибий. Бектемир генералларни урушининг бутун ҳикматини биладиган бағоят ҳурматли азиз одамлар деб тушунади. Ойбек, Куёш қораймас. — Мана, сиз, ҳеч кимга билдирмай, саводингизни чиқариб олибсиз, — деб давом этди Элмурод. — Илғари шу нарса билмиш ўзингизга ҳам жуда катта ҳикматдай туюлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 эск. айн. **физика**. — Ҳа, ҳикмат кесакдан аланга чиқаргандек, сиз ҳам китобдан олган билимларингизни турмуш мактабидан синовдан ўтказинг, — деди қиз. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. **Илми ҳикмат физика.** Мадраса — диний мактаб. Лекин риёзиёт, илми ҳикмат, ҳандаса, кимё деган дарслар ҳам ўтилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ҳикмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ХИКМАТЛИ** 1 Ҳикматга асосланган, ҳикмати бор; мўъжизали, сирли. Ошпаз ер остига ҳикматли ўчоқ ясаб, қуённи пиширишга киришди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Донолик билан айтилган, чуқур мазмунли, тағдор. Сўнг [меҳмонлар] дунёда бўлиб турган яши-ёмон гаплар тўғрисида сўзлашишди. Ҳикматли гаплар таъсиридан бош тебратишди. П. Турсун, Ўқитувчи. Халқона ўтқир иборалар, чуқур ҳикматли мақоллар, унинг нуқтанинг жонли, ёрқин безаклари эди. Ойбек, Нур қидириб. **Ҳикматли сўзлар** афоризмлар.

**ХИКОЯ** [а] 1 Бирор кимса, нарса, воқеа ёки ходиса ҳақида оғзаки бериладиган ахборот ёки маълумот; бирор нарсанинг оғзаки баёни, тафсилоти. **Хикоя қилмоқ.** — Иброҳим ота хикоясини тамомлаб, Шерниёзни секингина беда устига ётқизди ва устига

серямоқ олача чопонини ёпиб қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм. Мен — ёзувчи. «Утган кунлар» хикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирарди. А. Қодирий, Утган кунлар. Йилларимдан хафа эмасман, Меҳнат, жангда кечди онларим, Хар умрнинг хикояси бор, Сўзлаб берай, қадрдонларим. Ё. Мирза. Йўлчи ўз онасидан юз марталаб эшитган гапларни Мирзакаримбой хикоя қила бошлади. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Насрий йўл билан ёзилган кичикроқ бадий асар. **Хикоя ёзмоқ, Абдулла Қаҳҳорнинг хикоялари.** **Хикоялар тўплами.**

**ХИКОЯНАВИС** [а+ф-т] Кичикроқ эпик асарлар ёзувчи, хикоя ёзувчи. Биринчи ўзбек совет адабиса, хикоянавис Ойдин ижоди ўзбек адабиётининг тараққиётида муҳим ўрин тутарди. С. Мамажонов, Ҳаёт куйчиси.

**ХИКОЯНАВИСЛИК** хикоянавис с. қаб. оти. Мен биргина журналист бўлибгина қолмай, бу қозонда [газета-чиликда] шоирлик, ҳажвчилик .. хикоянависликда ҳам пиша бошладим. С. Абдулла, Менинг дорилфунуним.

**ХИКОЯТ** [а] 1 эск. айн. **хикоя.** Хикоят қилмоқ (айтламоқ). — Мақолларга, эртакка, хикоятларга Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман. Шайхзода. Мирза Баҳром ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган хикоятнинг ёзилиш тарихини сўзлаб берди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар. Ултиришга бир хикоят айлайин, Уртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин. Эргаш шоир.

2 Ҳикоят (хотин-қизлар исми).

**ХИКОЯЧИ** 1 Хикоя қилувчи, эртак ва хикояларни сўзлаб берувчи.

2 Ҳикоялар ёзувчи, хикоянавис. **ХИКОЯЧИЛИК** Хикоячининг машғулот, хикоялар ёзиш иши. Бизда кичик жанрга — хикоячиликка етарли диққат қилинмагани менинг иззат-нафсимга тегади. Ф. Ғулом, Талант ва маҳорат.

**ХИЛВА** 1 Жуссаси ингичкадан келган, хипчабел, нозик, келишган. **Хилва йиғит.** **Хилва қиз.**

2 диал. Ялпиз.

**ХИЛВАЛИК** хилва 1 с. белги оти. **ХИЛВИЛЛАМОҚ** с. т. Хилвирамоқ.

**ХИЛВИРАМОҚ** 1 Заиф, нимжон ҳолга келмоқ, заифлашмоқ. Бу жанговар воқеаларни эслар экан, кампирнинг хилвираган озғин танасида гўё ёшлик қони бирдан жўш ургандай бўлди. С. Анорбоев, Дўстлар. — Ийгламанг, буви, худонинг иродаси, — деди Ғуломжон, бундай гаплар онасининг хилвираган қалбига маҳкам бўлмаслигини билса ҳам. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Хилвираб турган** (ёки қолган, кетган) 1) жуда заифлашган, зўрға турган, адои тамом бўлган. Эшон аянинг бирдан-бир нияти — қўлда қолган кўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб хилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш. С. Аҳ-

мад, Ҳукм; 2) эзилиб, титилиб кетган. Эскириб, қирралари хилвираб кетган дафтарнинг муқовасига чиройли ҳарфлар билан «Холида» деб ёзилган эди. У. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сирни.

2 с. т. **Хилвирамоқ.** Ҳа, атласларни кийиб олиб, Хилвираб келасиз-а бизга. «Кўшиқлар».

**ХИЛЛА** с. т. Хийла. Менга мактублар ёзасан, Қўрқам хилла бўлмасин; Сени суям, деган сўзинг Тил учуда бўлмасин. Хамза.

**ХИЛОЛ** [а] 1 кт. Янги чиққан ой, уч кунлик ой. Зулҳумронинг камоли, ойдайд жамоли, оқ юзида холи, яъни чиққан ойдайд икки қоши — хилоли. «Равшан».

2 Хилол (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ХИЛПИЛЛАМОҚ** айн. хилпирамоқ. Ошхонанинг тўрида хилпиллаб турган қизил байроққа кўзимиз тушиди, бу — ёшларнинг ғолиблик нишонни экан. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

**ХИЛПИЛЛАТМОҚ** хилпилламоқ фл. орт. н. Юзини майда сепкил босган бир аёл кенг енгларини хилпиллатиб, ўйинга тушиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХИЛПИРАМОҚ** Шамолда учиб, силкиниб турмоқ; пирпирамоқ. Қон қуюни, ўт бўрони Қолиб кетди йўлларда. Хилпирайдиган ғалабанинг Ол байроғи қўлларда. Уйғун. Унинг кичик, тиниқ зангори кўзларига тикилди, тоғларини шамолда хилпираган майин, олтин сочларини силади. Ойбек, Куёш қораймас. Улар Тошкент кўчаларини тўлдирган одамлар денгизига, қўлларига хилпираган қизил байроқ билан суздилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХИЛПИРАТМОҚ** хилпирамоқ фл. орт. н. Юдуз кўк шойи кўйлакчасини хилпирашиб айвонга югурғилади. Ойбек, О. в. шабадалар. У ўғирлиб қараса, бир варақ қоғозни қўлда хилпирашиб Зокир келяпти. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ХИЛП-ХИЛП:** хилп-хилп қилмоқ хилпирамоқ, хилпираб турмоқ.

**ХИЛ-ХИЛ** [ф-т]: хил-хил пишмоқ егилиб пишмоқ, пишиб юмшаб кетмоқ. Гўшт хил-хил пишиди. — Хил-хил пишган юмшоқ кабобни пиёз қўшиб ея болади. Ойбек, Улуғ йўл.

**ХИМ** айн. химм.

**ХИМАРИЛМОҚ** химармоқ фл. мажх. н.

**ХИМАРМОҚ** 1 Эшиб ёки буриб йиғиштирмоқ, қайтармоқ; шимармоқ. Абулзий қўлтиғидан оғир шохи халтача чиқарди-да, халта оғзини химариб, Мажиддиннинг олдига шарақлатиб қўйди. Ойбек, Навоий. [Ғуломжон] .. оппоқ лозимини баланд химариб ташиқарига чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эшмоқ, эшиб юмалоқламоқ. Кампир қўлидаги пахтани химариб, қора чироққа пилик тайёрлади. «Эртаклар». Тансиқ ҳаво ранг рўмолчасининг учини химариб унинг ишидан кўз узмагани-



ни пайқади. Ойбек, О. в. шабадалар. Лабини ялаб, соқолининг учини ҳимарганчи, бир нафас индамай қолди Болтабой. С. Зуннунова, Олов.

**ҲИММ** унд. с. 1 Таажжуб, шубҳа, ишонмаслик, кесатиш, пичинг каби маъноларни ифодалайди. — Сен аввал секин даромад қилсанг, яхши бўлар эди. — Ҳимм... — деди Сороҳон лабини буриб. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бир фикр билдиришда қийналишни, иккиланишни ифодалайди. [Боқиёев:] Турган гапни, Чеховнинг ижоди бошдан-оёғ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни .. Ҳимм .. Мукаррам, товўққа моят қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

3 Бирор нарсани тушуниб етганликни, ундан қаноат ҳосил қилганликни, мамнун бўлганликни ифодалайди. [Ҳайитжон:] Ҳимм ... энди тағи очилди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ҲИММАТ** [а] 1 Бировга қилинадиган яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат; олижаноблик. Ҳимматингга минг раҳмат! — От қазисига айниқса ўч бўлган мулла Обид аъзоларининг бу Ҳимматидан жуда ҳам хурсанд бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. Бу советнинг мазлумпарварлигини, етим-есирларга, оч-яланғочларга қилган Ҳимматини ўйлаб туриб кўзимдан ёшим чиқиб кетади. А. Туреун, Муаллимнинг тонги. Шарофат ёлгондан қулди: Товуқ семирса, туғиши қийин бўлади .. Қўрқманг, нафақа сўрамайман. Ҳиммат қилиб нима берсангиз, олиб, қуллуқ қиламан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бирор ишни бажариш учун астойдил ҳаракат қилиш; тиришқоқлик. Ҳар ким Ҳимматига яраша топади. — Элнинг ғайратига ҳам, Ҳимматига ҳам балли! Худди шу буйруқни кутиб турагандай, бир варақасига ишга ёпишиб кетди. Ойдин, Фарқодлар. Назаримда баланд ўқшар Ҳимматинг, Қилиб келсанг ана шундай хизматим. «Рус-там».

◆ Ҳиммат камарини боғламоқ қ. камар.

**ҲИММАТЛИ** 1 Бировдан ёрдамни аямайдиган, марҳаматли, саховатли; олижаноб. Ҳимматли киши. — [Йўлчи] пул берган ўртоқларини қучоқлаб ўпгиси келди, улар шу топда дунёда энг Ҳимматли, энг қадрдон, энг меҳрибон одамлар бўлиб туюлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ишга астойдил киришадиган; тиришқоқ. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг Ҳимматли комсомол ёшлари .. ағреатлар ишлаб чиқаришни ҳозирнинг ўзидай қизитиб юборишган. К. Раҳим, Янги зангори кема.

**ҲИММАТСИЗ** 1 Бировга ёрдам қилмайдиган, марҳаматсиз, саховатсиз; хасис. — Ҳа, уялдим, лекин сени алдаганимдан эмас, Ҳимматсиз ва қизғанчиқ одамдан ёрдам сўраганимдан уялдим, — дейди чол. «Эртақлар». Бу қишлоқнинг одамлари тақводор бўл-

салар ҳам, имомларига Ҳимматсиз эдилар. «Латифалар». Тўламатнинг тўйга бориши бўйидаги қиёмат қарзи эди. Бўлмаса кўпчиликнинг назарида «Ҳимматсиз» деган ном олиши ҳеч гап эмас-да! С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ишга астойдил киришмайдиган; сусткаш, ғайратсиз.

**ҲИМО** 1 Бирор иш-ҳаракатни бажаришда, кимсага бериладиган жисмоний ёрдам; кўмак. Турсунбой жанорни кўтаришиб, машинасининг тумшугига олиши. Сўнгра Ҳимо билан Алижоннинг орқасига қўйди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Сени минган йигит кирар савасига, Авлиёна Ҳимо бердинг йўлдошга, Ун тўрт сафар дучор бўлдинг Бектошга, Шу арабнинг додин берган бедовсан. «Хушкелди».

**ҲИМО** II с. т. Имо.

**ҲИМОЯ** [а] 1 Бирор ишда ёрдам бериш; ҳомийлик; мадад. Жўраҳон Фосиҳ афандининг сакраб-силкиниб юриб айтган гапларидан Ҳимоя топиб қаддини анча тиклаб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хавф-хатар ёки ҳужумдан сақлаш, қўриқлаш, муҳофиза; мудофаа. Уқишим тинч, элим тинч, Шаҳарим тинч, дилим тинч. Гуллар. эккан дарахтим Оғам Ҳимоясида. Шайхзода. Пиёда аскарларимиз ҳужум бошлаганда, Аҳмаджон ўзининг пулемёти билан уларни сўл томондан Ҳимоя қилиши керак эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Ватанни Ҳимоя қилиш ҳар бир комсомол аъзосининг муқаддас бурчидир. «ВЛКСМ Уставни».

3 Илгари сурилган ўз фикр-мулоҳазаларининг эътироф этилишига эришиш; ёқлаш. Диссертация Ҳимояси. Проектни Ҳимюга қўймоқ. — Умиднинг йигирма минут атрофидаги Ҳимоя сўзидан кейин оппонентлар сўзлади. Мирмуҳсин, Умид. [Оқилжон:] Узи яхшигина сиз тенгеги киши эди, ҳам мени Ҳимоя қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Рихси бундай гапларни, унинг меҳнатини, уни Ҳимоя қилиб айтилаётган бундай сўзларни биринчи марта эшитар, бу хилда одил одамлар борлигини кўриб турмоқда эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ҲИМОЯСИЗ** Ўзини Ҳимоя қила олмайдиган ёки биров Ҳимоя қилмайдиган, Ҳимояси йўқ; қўриқланмайдиган. Бойвачча Ҳимоясиз Қудратнинг юз-кўзига, бурнига мушт ёғдира бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲИМОЯТ** [а] айн. Ҳимоя 1. Ҳимоят қилмоқ (кўрсатмоқ). — Уз фарзандларига Ҳимоят кўрсатишни билмаган тошбағир надар олдига бора-бора фарзанд ҳам юрак олдириб қўйиши, ундан совиб кетиши мумкин. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Мирқосим миришаб бош қўшган ва Мадумар мингбоши Ҳимоят қилган комедия финалга етганда маҳит томидаги карнай-сурнай парда-ни барақат тушириб қўйди! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲИМОЯТЛИ** Қадр-қимматни била-

диган, шафқатли; саҳий. — Гапингизга қараганда Ҳимиятли, Ҳимоятли, беш вақт номозни канда қилмайдиган мусулмон бир касибнинг қизи экансиз, — деди Ойша ялчи Латифахонга. Ф. Гулом, Шум бола.

**ҲИМОЯЧИ** 1 Қўллаб-қувватловчи, ёрдам берувчи; ҳомий, бирор хавф-хатардан сақловчи, мудофаа қилувчи; мададкор. Оламда унинг ягона Ҳимоячиси — эри, бирдан-бир орзуси — анор эди, бирданга ҳар иккиси ҳам йўққа чиқди. А. Қаҳҳор, Анор.

2 юр. Судда айбланувчининг манфаатини ёқловчи, уни Ҳимоя қилувчи.

**ҲИНГИЛЛАМОҚ** с. т. Ҳирингламоқ. — Сизга ўша қурилишинингидеги Ҳингиллаган қизлар бўлса. Бўлмаса нега кунда ишдан кеч қайтасиз? — деди Ойниса Йигиталига. С. Қароматов, Бир томчи қон. [Икки синфдош] Ҳингиллаб кулишар, катталардек қўллари ҳаракатга солиб гаплашишар ва яна кулиб қўйишарди. Мирмуҳсин, Умид.

**ҲИНГИЛЛАШМОҚ** Ҳингилламоқ фл. бирг. н. Обиджон жуда кўпол ва беадаб бир топшимоқни қичқириб айтган эди, кампир уни қаттиқ қарғадди, «болаларга қўйилиб Ҳингиллашган» Нурига пичинг қилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲИНГИР-ҲИНГИР** айн. Ҳиринг-Ҳиринг. Ашир мастликдан юмалаётган кўзини йилтиратиш Ҳингир-Ҳингир кула бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҲИНДИ** 1 Америка туб аҳолисининг умумий номи. Ҳинд тиллари.

2 с. т. Ҳинди.

**ҲИНДИ** қ. Ҳиндилар. Ҳинди тили. Ҳинди аёли. — Палата зиғи олдидан бизни Ҳиндига ўхшаган қоп-қора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит, афтидан Мастуранинг эри, камол эҳтиром билан кутиб олди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ҲИНДИЛАР** Миллатидан, динидан ва тоифасидан қатъий назар, Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган туб жой аҳолининг умумий номи. — Тўғри, — деди Иброҳимов, — бир мисол: Ҳиндистонда Ҳиндилар бор, мусулмонлар бор. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ҲИНДУ** эск. айн. Ҳинди.

**ҲИРИНГЛАМОҚ** «Ҳиринг-Ҳиринг» овоз чиқариб кулмоқ, қичқирламоқ. Анвар Ҳиринглаб кулди ва Раънонинг елкасига қоқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қўзибой қошини чимириб, нима-нидир ўзича чамалаб турди-да, сўнг бирдан Ҳиринглаб кулиб юборди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ҲИРИНГЛАШМОҚ** Ҳирингламоқ фл. бирг. н. Бир-бирини қитиқлаб, Ҳиринглашган қизлар Нозикнинг сўзига қулоқ солмадилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Даро тайёрлаб ўтиришган Равшан билан Гулшан, ҳеч нарсадан хабарлари йўқ, бир-бирларининг жигига тегиб Ҳиринглашарди. С. Зуннунова, Излар.

**ҲИРИНГ-ҲИРИНГ** тақл. с. Паст овоз билан кулиш, қиқирлаш; қиқир-қиқир.— *Гап-сўзда ҳам бир маъно бўлиши керак,— деди Гулишан,— бўшдан-бўшига ҳиринг-ҳиринг; бундан кўра тинч ухлаган яхши. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Низомиддинов орқасидан эргашиб келадиган Турсунбой отага нималардир деб тушунирар, ҳа деб ҳиринг-ҳиринг кулар эди. С. Аҳмад, Хукм.*

**ҲИРОВОҒУЛ** тар. Қўшиннинг олдинги сафи; авангард, илғор. Қўшин ичида энг иш кўрган .. баҳодирларни саралаб, ҳировоғул тузиб, .. Аргунбекка топширди. Ойбек, Навоий.

**ҲИРС** [а] 1 Бирор нарсага бўлган кучли, зўр истак, интилиш, қизиқиш. Қўксимага сизмасдан талпинар қалбим, Қириб бормоқданм кўзни олмасдан; Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким, Қўзимга урилар бири қолмасдан. Ҳ. Олимжон. Тўғонбекнинг руҳида эски, йиғитлик даврининг жанговар қони, ҳирси, ёвузлиги алангаланди. Ойбек, Навоий. **Ҳирс кўймоқ** бирор нарса билан ўта даражада қизиқмоқ, унга берилмоқ. *Гул ўстиришга ҳирс кўймоқ. Уқшига ҳирс кўймоқ. Пулга ҳирс кўймоқ. — Отасининг феъллини билган Таманно бир-икки кундан бери ичкиликка ҳирс кўйган эрини туртиб уйғотди: — Туринг-э, уят бўлиб кетди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

2 Жинсий талабни қондиришга бўлган интилиш; шахвоний туйғу. *Бойвачанинг кўзида ҳар бир хотин унинг нафси, ҳирси учун яратилган чиройли мева эди. Ойбек, Қутлуг қон. Шу кеча, шу ғайир кечанинг ҳирсини кўзгатиш учун, олча қизнинг сосини икки марта чўзикроқ кўрсатади. Ғ. Фулом, Соляр.*

**ҲИРСЛИ** 1 Бирор нарсага ҳирс кўйган; берилган, қизиққан. *Мол-дунё орттиришга ҳирсли одам.*

2 Бирор истагини, мас. жинсий талабини қондиришга интиладиган ва шундай ҳис-туйғу акс этадиган. *Ҳирсли кўзлар.*

**ҲИС қ. ҳис(с).**

**ҲИСЛИ** Сезиш, ҳис этиш қобилиятига эга; сезгир; ҳушёр.

**ҲИСОВ** [а] 1 Предмет миқдорини санаб аниқлаш, санаш. *Оғзаки ҳисов. Формулага мувофиқ қилинган ҳисовлар. Пулнинг ҳисобини олиб бормоқ. Ҳисовдан адашмоқ. Ҳисов қилиб чиқмоқ. Қўлдаги ўрдак-ғозларнинг ҳисоби йўқ. Ҳисов юритмоқ санаб аниқламоқ, санамоқ, ҳисовламоқ. Қутидор ўзича чима тўғрисидадир ҳисов юритди-да: — Воқеан сиз мени эслай олмасиз,— деди. А. Қодирий, Утган кунлар. | (эалик аффикслари билан) Тахмин, чама, мўлжал. Менинг ҳисовимга кўра. Сенинг ҳисовингга тўғри келадими? — Агар олган ҳисовимиз тўғри чиқса, бу гал унинг [Отабекнинг] Марғилонга қуруқ қатнаб юришининг еттинчи қайтаси эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Максимиинг ҳисовича, Норматнинг оғидан гипсини олишга яна*

*бир кун бор эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Санок, адал, миқдор. *Залдаги стуллар ҳисоби. Бу ерда кўёнлар шундай кўпки, уларнинг ҳисобини ҳеч ким билмайди. — Ҳали бу ҳисобга фуқародан ўлдирилган бечоралар кирмайди. А. Қодирий, Утган кунлар. Урта ҳисовда ўртача миқдорда айтганда. Ҳар гектар ердан, ўрта ҳисовда, 30 центнердан ҳосил олинди.*

3 Қимса ёки нарсаларнинг мавжудлигини, миқдорини белгилаш учун рўйхатга ёзиш йўли билан олиб бориладиган ишлар мажмуи. *Қадрлар ҳисоби. Инвентарь ҳисоби. Ҳисобга олинмоқ. Ҳисобдан чиқарилмоқ. Бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 78та коммунист бор. — Яхшиси, ҳеч қаернинг ҳисобига кирманг. А. Қаҳҳор, Сароб. — Ҳай майли, мен Олахўжаман, менда одамгарчилик бор,— дейди-да, ҳисов дафтари билан чўтти олади. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳисобга олмоқ* 1) маълум жойдаги қимса ёки нарсалар қаторига қўшмоқ, қайд этиб қўймоқ, рўйхатга олмоқ; 2) назарда тутмоқ, назарда тутиб иш қилмоқ, тан олмоқ. *[Фотима] ўзига кишиларнинг кўнгли қўйганини билар ва муомалада бу жиҳатни ҳисобга олар эди. П. Турсун, Уқитувчи.*

4 (асосан ж. к. ва ч. к. да) Бирор қимса ёки ташкилот тасарруфидаги моддий бойлик, озик-овқат, пул ва ш. к. *Улар кимнинг ҳисобига яшайди? Квартирани колхоз ҳисобидан ремонт қилмоқ. — [Аризада айтишича] Урмонжон беисеркалик Ғиёсиддин маҳсумни чақириб, колхоз ҳисобидан зиёфат қилган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор қимса ёки ташкилотнинг қарамоғи; тасарруф, ихтиёр. Бу ҳўжалик ҳисобида 30 трактор, 50 автомашина бор. — Қулоқларнинг от-уловлари, уй ҳайвонлари буювн-эрта колхоз ҳисобига ўтиши керак. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳисобига* 1) бирор қимса ёки нарса учун, бирор қимса ёки нарсанинг фойдасига, ўрнига. *У беш кун ўртоғи ҳисобига ишлади. Келгуси йил ҳисобига ишламоқ;* 2) бирор қимса ёки нарса туфайли, қимса ёки нарсадан фойдаланганлик учун. *Кўринишдан шариатни маҳкам ушлаган халфа .. шаҳардаги қўл берган пирга атаб йиғилган назр-ниёзлар ҳисобига бойиган экан. П. Турсун, Уқитувчи; 3) бирор қимса ёки нарсанинг эвазига, бадалига; ўрнига. У вақтларда қалин-сиз никоҳ мумкин бўлмагани учун бобомнинг .. боғчасини қалин ҳисобига онамга атаб қўйганлар. Айний, Қуллар.*

5 Назар-эйтиборга олинадиган, хурмат қилинадиган, қадрланадиган қимса ёки нарсалар қатори. *Золимнинг даврида меҳнаткаш ҳисовда йўқ эди. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. | Урин ўтадиган; қадрли, эътиборли. Шу сафардаги ютуғинг ҳисов. Ҳисов эмас санокқа кирмайди, ўрин ўтмайди; кўнгил тўлмайди, бекор. Бу ўйин ҳисов*

*эмас, бошқатдан ўйнаймиз. — Отам сизларни чарчатиб қўймадими? Бу киши шунақа, қўлларига тушиган одам боғдан деворларни ушлаб чиқиб кетмаса — ҳисов эмас. А. Қаҳҳор, Қартина. Ҳисовга олмаганда эътиборга олмаганда, назар-писанд қилмаганда. Лагернинг ғарби-шимолий томони, ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисобга олмаганда, кўз илгамас яйлов. Шухрат, Шинелли йиллар.*

6 айн. **Ҳисобот.** Раиснинг йиллик ҳисоби. — *Қосмомол органлари ўз қосмомол ташкилотлари олдида вақти-вақти билан ҳисов бериб турадилар. «ВЛКСМ Устави». Ўзига ҳисов бермоқ* ўз иши ёки ҳолатини кўз олдига келтирмоқ, ўйлаб кўрмоқ, ўзича муҳокама қилиб кўрмоқ. *У кунлардаги ҳолимдан ўзимга энди ҳисов беришга ҳая уялман .. [деди Қумуш]. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳисобини кўймоқ* кимсанинг қилган ишлари ҳақидаги ахборотини, баёнотини тингламоқ. *Менинг икки оёғимни бир этикка тиқиб, ҳисобини кўйишлари мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

7 с. т. Узаро келишув ёки шартномага кўра қилинадиган иш учун ҳақ тўлаш. *Қандай ҳаққим бор экан — Қилинг ҳисобим. Дуо билан кетайин, Беринг жаовобим. Ғайратий. | Бир-бирига ўтишган қарзни қайтариш, тўлаш; орани очиқ қилиш. Сен билан бир ҳисов қилишасан булар эди. | Узаро муомаладаги ҳисов-китоб; олди-берди муомаласи. Дўстинг — дўст бўлсин, ҳисобинг дуруст бўлсин. Мақол. Дўст ҳисоби кўнелида. Мақол.*

8 айн. **арифметика.** *Мадрасада диний илмлардан ташқари дунёвий илмлардан ҳисов, ҳандаса, тарих, жуғрофия, илми ашё [табиёт] ўқитиларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Гапларига қараганда, у бир неча мактабда ҳисобдан дарс берар .. эди. П. Турсун, Уқитувчи.*

9 с. т. Илож, тадбир; имконият. *Дардан ўтишининг ҳисоби борми? Ҳисобини билмаган ҳаменидан айрилар. Мақол. — [Мамат:] Ажаб бир махлуқсан! Йўл топган ҳисобини топмайдими?! Ҳамза, Паранжи сирлари. Ҳисобини қилмоқ* 1) бирор иш қилиш имкониятига эга бўлмоқ, илож топмоқ. *Дардим ичимда. Бир олдингизга бориб, юрагимни ёзиб келаман дейман, ҳисобини қилолмайман-да. Р. Файзий, Ҳазрати инсон; 2) удалай олмоқ, бошқармоқ. [Ғофир:] Ҳа-ҳа, бой! Аввал уйдагиларнинг [ўз хотинларингизнинг] ҳисобини қилин! Нима қиласиз савдо-сотикни кўпайтириб. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

10 Гап охирида келиб, бирор иш-ҳаракатнинг тўла бажарилишини чамалаб ифодалайди: деярли, деса бўлгудек. *Гапириладиган гап қолмади ҳисов. Боғда мевалар йўқ ҳисоби. Тайёргарлик ишлари йўқ ҳисоби. — Ёшим қирқда. На хотин бор, на бола. Дунёдан тоқ ўтдим ҳисов. Ойбек, Қутлуг*

қон. [Заводда] бугунчага газ тозалайдиган 6 агрегат ўрнатилди, 8та газ қуриладиган насоснинг ҳаммаси монтаж қилиб бўлинди ҳисоб. М. Тўлаганов, Чўлдаги қосоналар.

11 спорт. Сон, миқдор билан ифодаланган ўйин натижаси. *Ўйин 12 : 8 ҳисоби билан чемпион фойдасига ҳал бўлди. Ҳисобни очмоқ ўзи ёки ўз командаси фойдасига биринчи очкони қўлга киритмоқ. Ўйиннинг ўттиз тўққизинчи минутида Боқи ҳисобни очган эди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.*

◆ **Бир ҳисобда** ўйлаб, мулоҳаза қилиб қараганда, масаланинг бошқа томонини ҳисобга олганда. *Машиначи кулиб [Мусага] гапирди: — Бир ҳисобда, ҳали от минолмайсан, чўндайсан, отдан учиб тушасан. Ойбек, Болалик.*

**ХИСОБДОН** [а+ф-т] Ҳисобни яхши биладиган; ҳисоблашдаги қонун-қоида, йўл-йўриқни яхши тушунадиган.— *Ҳисобни ёлғиз бойлар билдилар деман,— деди гапга қўшилмай .. ўтирган соқоли қирқиқ бир йигит,— шўрлар ҳукумати шарофатидан ёлғаниб ишловчилар ҳам ҳисобдон бўлган. Айний, Қуллар.*

**ХИСОБДОР** [а+ф-т] Ўз ишлари ҳақида бирор кимса ёки ташкилотга ҳисобот бериб турадиган. *Ҳисобдор шахс.*

**ХИСОБ-КИТОБ** 1 Даромад ва харажатларнинг миқдорини қайд этиш, ҳисоблаш; расчёт. *Қоҳознинг ҳисоб-китоб ишлари. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. — Мирҳосил дарё бўйидаги брезент чодирда ёлғиз чўт қоқар, ҳисоб-китоб билан машғул эди. Х. Ғулом, Машғал.*

2 Даромад ва харажатларнинг ҳисоби ва миқдори ҳақидаги маълумотлар ёзиладиган ҳужжат ёки дафтар. *Қалин ҳисоб-китобини ёпиб, қўлтиғига қистирди—да, бўйинини елкасига тортиб чиқиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Бурхонжон табелчининг ҳисоб-китобини олиб кўздан кечирар эди. Туйғун, Ўқитувчи. Ҳисоб-китоб қилмоқ* 1) ҳисоблаб аниқламоқ; 2) ҳисоблаб, тегишли ҳақни бермоқ ёки олмоқ, орани очик қилмоқ. *Қиз машинадан тушиб, шофёр билан ҳисоб-китоб қилаётиб, кулиб қўйди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ХИСОБЛАМОҚ** 1 Санаб миқдорини аниқламоқ, санамоқ. *Пулни ҳисобламоқ. Минутларни ҳисобламоқ. Бармоқ билан ҳисобламоқ. Чўтда ҳисобламоқ. — Ҳисоблайди бетиним, Чўтига сўғмас иши, Янги йил келгунича, Якунламоқ ташвиши. Т. Тўла.*

2 Номаълум бир миқдорни ҳисоб йўли билан аниқламоқ, ҳисоблаб топмоқ. *Бир йили .. қишлоқнинг қариялари чинорнинг ёшини ҳисоблаб, унинг мингага кирадиган фаслини тахминлаб, эълон қилишибди. А. Мухтор, Чинор.*

3 кўчма Бирор тарзда баҳоламоқ, маълум бир хулоса чиқармоқ, фалончи деб билмоқ, ўйламоқ, *Буни керак-*

*ли иш деб ҳисоблаймиз. — Юрагидаги бебаҳо гаваҳар билан ўзини дунёда бахтли ва бой одам ҳисоблаб юрган Умид ётган ерида эркин нафас олиб фахрланди. Мирмуҳсин, Умид. | Бир нарсани иккинчи бир нарса билан тенг деб фараз қилмоқ, тенглаштирмоқ. Уч кўй, бир эчкини бир сизир ҳисоблади. | Бирор шахснинг ҳисоби-га киритмоқ, зиммасига ўтказмоқ. Ош харажатларини сизга ҳисоблаб қўйдик.*

**ХИСОБЛАНМОҚ** ҳисобламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н. Ўрда дарбозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хилгаина бор эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳозир унинг [чинорнинг] ёшини ҳеч ким билмайди. Унинг ёшини санаш гуноҳ ҳам ҳисобланади. А. Мухтор, Чинор.*

**ХИСОБЛАТМОҚ** ҳисобламоқ *фл. орт. н.*

**ХИСОБЛАШМОҚ** 1 ҳисобламоқ *фл. бирг. н. Анови кун Маражаббек билан ҳисоблашиб кўрас, Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичида етмиш саккиз бек ўлдирилибдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Баъзилар Саидийнинг бу шошқалоқлигига, ўзини тўтолмаслигига катта аҳамият бериб, унинг гапда иштирок этишини ҳам хавфли ҳисоблашар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 Ўзаро ҳисоб-китоб қилмоқ, ора очик қилмоқ.

3 («билан» кўмакчиси воситасида) Бирор кимса ёки нарсани хурмат қилмоқ, тан олмоқ, унга риоя қилмоқ, у билан келишиб иш кўрмоқ. *Тажрибали устаннинг фикри билан ҳисоблашмоқ керак. Ҳақли талаб билан ҳисоблашмадилар. — Мадамнинг мен ҳам сўқдим: қонун билан ҳисоблашман ҳам минг керил — обрўйинг бир пул, дедим. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ХИСОБЛИ** 1 Ҳисобга олинган, саналган, ўлчанган; ортиқча эмас. *Ўрмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Ўзаро ҳисоблашилган, ҳисоб-китоб қилинган, ора очик бўлган. *Ҳисобли дўст айрилмас. Мақол.*

3 Унча кўп эмас, чекланган миқдордаги, санақли. *Янги йилга ҳисобли кун қолди.*

**ХИСОБОТ** [а] Ўз ишлари, топшириқнинг бажарилгани ва ш. к. ҳақида бошлиқ, ташкилот ёки жамоатчиликка оғзаки ёки ёзма равишда бериладиган расмий ахборот. *Йиллик ишлар ҳисоботи. Командировка ҳисоботи. Қолхоз раисининг ҳисоботи. Депутатнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботи. Ҳисобот докладди. Ҳисобот мажлиси.*

■ *Михайлов, сўнгра, тез кунда умумий мажлис чақириб, қишлоқ советининг раиси Тожибойнинг ҳисоботини қўйиш масаласини кўтарди. П. Турсун, Ўқитувчи, Техникум талабалари*

*ўз ишларидан ҳисобот бергани ватанларига жўнаб кетмоқда эдилар. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**ХИСОБСИЗ** 1 Ҳисоби йўқ, ҳисобга олинмаган.

2 Ниҳоят кўп, сон-саноқсиз, чеғарасиз, беҳад. *Ҳисобсиз бойлик. Ҳисобсиз имконият. — Нима кўп — деҳқон кўп. Қўшни қишлоқларда санқиб юрганлар, очлар ҳисобсиз. Ж. Шарипов, Хоразм. Бу ойимларнинг ҳар бириларидан, «албатта бизникига меҳмон бўлмасдан кетмайсиз, эгачи» деган таклифлар ҳам ҳисобсиз эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ХИСОБЧИ** 1 Муассаса, корхона ва ш. к. да молия операциясини, ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи ходим. *Қоҳоз ҳисобчиси. — Иккита содда, тахтаси бўялмаган оқ столнинг бирида қолхоз сарқотиби Умарали, иккинчисида ҳисобчи Абулқосимлар шуғуланмоқдалар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Сарфланган нарсани, мас. мехнатни ҳисоблаб боровчи шахс. *Трактор бригадасининг ҳисобчиси. — Унинг ёнида турган бош ҳисобчи Саидғози эса негадир бурнини жийирди, сўнгра худди Тўламан мўйловнинг аскиясидан кўрққандек, раиснинг кетидан идорага кириб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ХИСОБЧИЛИК** ҳисобчи с. касб оти. *Ҳисобчилик вазифасида ишламоқ.*

**ҲИСОРИ** [ф-т<а] Тожикистон ССР Ҳисор районига оид; шу районда етиштирилган, ишлаб чиқарилган. *Алиқул дарҳол бозорага жўнади, бўрдоқи қилинган ҳисори қўй келтириб, шу кунгача сўйди—да, ёлғиз гўштини тоғорага бостириб, сирка сепди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бўрцев бўғжамадан ҳисори беқасамдан тўкилган бир тўнни олиб мулла Обидни чақиради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ҲИСС(С)** [а] Ташқи таъсирни қабул қилиш, сезиш қобилияти; сезги, туйғу. *Дўстлик ҳисси. Шоблик ҳисси. — Сен чал буғун ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайин. Ғайратий. Қайгу ҳиссига ғурур ҳисси қўшилиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — Ҳеч ким йўқ, сув қуйгандай ҳамаёқ жимжит, ёлғизмисиз, бувижон? — сўради [Зумрад] шубҳа ва ғайлик аралаш бир ҳис билан. Ойбек, Улуғ йўл. Низомжон хатни кўрди-ю, қувончми, аламми, билиб бўлмайдиган бир ҳис вужудини қамраб олди. С. Ахмад, Уфқ. Ҳис этмоқ (ёки қилмоқ) сезмоқ, туймоқ. Чарчаб ўтирган хон ўзини тетик ҳис қилди, шеър унга ёққанди. Ж. Шарипов, Хоразм. Элмурод нечундир ўзини бу аёлнинг ғамхўри ҳис қиладиган бўлиб қолди. Кунлар, ҳафталар ўтган сайён бу ҳис тобора кучайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ҲИССА** [а] 1 Бирор нарсанинг айрим бир қисми; бўлак, улуш. *Ҳосилнинг тўртдан уч ҳиссаси. — Кейин*

лойқа суёда балиқ тутиб, ўзига катта ҳиссани кўпоради. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кимсанинг умумий ишга қўшган ёки қўшадиган улуши, умумий ишдаги иштироки. Бу ишда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришида шаҳарнинг ҳиссаси катта. Ҳисса қўшмоқ. [Салмобойвачча:] Дадам давлатига яна бир-икки ҳисса қўшай, кейин бир варакай доғруқ соламан. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор ташкилот ёки тўдага қўшилиш, шерик бўлиш ёки аъзо бўлиш учун кириш ҳақи сифатида тўланадиган ҳақ, пай.

4 Марта, баробар. Уч ҳисса ортиқ. Икки ҳисса ортиқ ишлаган. Бу уч ҳисса оғир иш. — Саидий домлага қараганда икки-уч ҳисса ортиқ пул толади. А. Қаҳҳор, Сароб. Тиллабиби уни йн ҳисса қувонч билан ўз бағрига олди. Ойбек, О. в. шабадалар. Лекин ҳаётда шундай воқеалар содир бўлдики, булар дахшатли афсонадан минг ҳисса ёмонроқ бўлиб, уларни даф қилишга сўфиларнинг азони ҳам қор қилмай қолди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

◆ **Ҳиссадан ҳисса қ.** ҳисса 3. Ҳиссасини чиқармоқ йўл қўйилган хато-камчиликни бирор йўсинда тузатмоқ; йўқотилган, етишмайдиган нарса ўрнини бирор йўсинда тўлдирмоқ ёки бошқаси билан алмаштирмоқ. — Кун шундай исиб турса, шолда мўлжалга етиб олиш мумкин. Куз ҳам баҳорнинг ҳиссасини чиқармай иложи йўқ эди, — деди Холмирза. И. Раҳим, Хи-лола.

**ҲИССАДОР** [а+ф+т] Ҳисса қўшган, пай киритган, шерик; акционер, акциядор.

**ҲИССИЁТ** [а] Ички кечинмалар, ҳис-туйғулар. Ҳиссиётга берилмоқ. — Бировнинг ҳақида бир ҳукм қилганда ўз ҳиссиётини алданган. Айний, Қуллар. Хўлкарнинг Роҳила холага раҳми келди, уни алақандай бир ҳиссиёт ҳаяжонга солди. Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинлар. Отбек ўзини нечоғлик босиб, ушлаб келган бўлса ҳам, лекин энди ичидан қайнаб-тошиб кетган ҳиссиётини босолмади, «виждонсиз тўнғиз» деди-да, иштиёрсиз ўрнидан туриб кетди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҲИССИЁТЛИ** Тез ва тўғри ҳис этадиган, сезадиган; сезгир, ҳассос. Ҳиссиётли шоир. Лирик ҳиссиётли артистка.

**ҲИССИЁТЧИ** Ички кечинмаларга, ҳис-туйғуларга ғоят берилувчан; сентиментал.

**ҲИССИЗ** Бирор нарсани сезиш, ҳис этиш қобилиятидан маҳрум, сезмайдиган; ҳуссиз. Наҳот жумҳурият матбуоти Кенжалар сингари бадҳоқ, жоҳил, ҳиссиз, кишининг камолотини кўролмай турганлар қўлида бўлсал! А. Қаҳҳор, Сароб.

**ҲИССИЙ** [а] Ҳис-туйғуга, ҳиссиётга оид. Борлиқни билиш, ўрганиш про-

цессда икки хил босқич бор. Биринчи босқич ҳиссий босқич деб аталади. Х. Фафурова, Ҳўқув материалларини ўзлаштиришда тасаввурнинг роли.

**ҲИС-ТУЙҒУ** Ҳис ва туйғу; ҳислар, ҳиссиёт. Ҳаёт воқеаларининг кучли таъсири остида қўзғалган ҳис-туйғу, ички кечинма, фикрларни ифода этувчи асарларга лирик асар дейилади. «Адабиёт хрестоматияси». У чиндан ҳам Муҳаммаджонни ва ўзининг у ҳақидаги ҳис-туйғуларини яхши билмас эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ҲИС-ҲАЯЖОН** Ҳис ва ҳаяжон; ҳиссиёт. Ҳис-ҳаяжон ундовлари грам. ҳис ва ҳаяжон ифодаловчи ундов сўзлар (ура, эҳ, оҳ, уф, о, э, эй, оббо, вой-вой, бай-бай каби).

**ҲИФЗ** [а] эск.: **ҳиғзи сихҳат** 1) киши саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш; 2) тозалық, гигиена. **Ҳиғзи сихҳатга риоя қилмоқ.** **Ҳиғзи ҳимоят** бирор хавфу хатардан, хужумдан сақлаш қуввати; панох.

**ҲИҚ** тақл. с. Ҳиқичоқ тутганда, ҳиқиллаб хўрсинганда ҳосил бўладиган узуқ қисқа товуш ҳақида. Элмурод фақат Маъмуржоннинг «ҳиқ» этган товушини эшитиб қолди, холос. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҲИҚИЛДОҚ** 1 Нафас йўлининг юқори қисми; халқоқ.

2 Бўйиннинг олд қисми; бўғиз, томоқ. Шу вақт унинг [Муталининг] қўлтиғи остидан узатилган қўл ҳиқилдоғидан омбир каби сиқиб олди. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Жони ҳиқилдоғига келди** (ёки етди) қ. жон 1. **Ҳиқилдоғидан бўғмоқ** кимсадан бирор нарсани қаттиқ талаб қилмоқ, ёпишиб олмоқ. Акбар ишлаган ҳақимни бер деб, бойнинг ҳиқилдоғидан бўғиб олди. «Эртақлар».

**ҲИҚИЛЛАМОҚ** 1 «Ҳиқ-ҳиқ» этган овоз чиқармоқ; ҳиқичоқ тутмоқ. Нурхон ҳиқиллаб кўзларини арта бошлади. О. Ёқубов, Ларза. Низомжон кўп гапирмоқчи эди, ўлкаси тўлиб, гапи томоғидан чиқмай ҳиқиллаб қолди. С. Аҳмад, Уфқ. Эшон энди тишсиз оғзини очиб ҳиқиллаб кулиб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 **кўчма** Ҳоли-жонига қўймасдан, йиғлаб, зорланиб, бирор нарса талаб қилмоқ, ёпишиб олмоқ. Мен шаҳарни ҳеч кўрган эмас эдим. Шунинг учун, онам қайғу бора, шу ёққа кетишдан эргашиб ҳиқиллаб борардим. Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. | Бирор кимса ёки нарсга етишиш орзусида бўлмоқ, доим шунга интилиб юрмоқ. Бу одамнинг широйликкина хотини бўлиб, Раҳматилла кўндан шунга ҳиқиллаб юрар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ҲИҚИЧОҚ** Қорин-қўкрак мушакларининг асабий характери туфайли ғайрихитиёрый равишда бўғиздан чиқадиган узуқ-узуқ қисқа товушлар. Ҳиқичоғи тўхтамайпти. Сув ич — ҳиқичоғинг босилади. — У ҳам кинначи, ҳам доя, ҳам ювғучи, Остонадан ҳат-

лаб уйига кирган биронта аёлни кўриши билан ўз-ўзидан ҳиқичоқ тутиб қолади. М. Осим, Тилсиз оғуҳ.

**ҲИҚ-ҲИҚ** ҳиқ с. тақр. Ҳиқ-ҳиқ қилмоқ.

**ҲИ-ҲИ** тақл. с. Ғайритабиий кулгини ифодалайди. Радио қўшинларимиз Киевни ташлаб чиққани ҳақида хабар берди. Бу одам, ҳаммадан олдинда, ҳовучини қулоғига қўйиб тингламоқда эди, бирдан баланд овоз билан: — Оббо! Ҳи-ҳи... — деди. А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи.

**ҲММ** айн. **ҳимм.** Элмурод ҳаёл ичида аста-секин одимлар экан, гапирди: — Ҳмм .. Ҳали гап шунақа денг, мен эшитмаган эканман. П. Турсун, Ҳўқитувчи. [Мастура:] Ҳмм ... биламан, дардинеизни учуруқсиз айтаверинг. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ҲО** 1 унд. с. 1 Кимсага мурожаат қилганда қўлланилади; ҳой, ҳей, эй. — Болалар, ҳо болалар! — деб чақириб қолди Боқо эвеносининг ерларини айланаркан. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. — Қани, ҳо йегишлар! Ишга! Ишга, азаматлар! — деган товуш эшитилди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Чақирққа жавоб тарзида «ҳа», «ҳа, нима дейсиз», «эшитаман» каби маъноларда ишлатилади. Биров чақиряпти, «ҳо» деб қўй.

3 («о» — чўзик) Таажжубланиш, ишонмаслик, кесатиш каби маъноларни билдиради. Энг баланд чўққизга чиқдик. — Ҳо, шунақами? — Ҳо, ҳали шундай денг. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

4 бол. Розн эмаслик, рад этиш каби маъноларни ифодалайди. — Уйинчоғини бериб тур! — Ҳо!.. (бермайман).

5 Суюнч, ҳаяжон ифодалайди (чўзиброқ талаффуз этилади). [Осуфбек ҳожи] Ҳасаналини кўриши ҳамони: — Ҳо-о-о, бизнинг Ҳасанали-ку! — деди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ҲО** II айн. **ҳов** 1 1. Чўпон қариш томондаги тоғнинг осмонга тегай деб турган чўққисини кўрсатиш: — Ҳо, кўрдингми, бургут қўниб турган чўққини? П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҲОВ** I юкл. 1 Узоқдаги кимса, нарса ёки ҳодисани кўрсатиш учун ишлатилади. Ҳов тепаликдаги оқ тошни кўряпсанми? — Боринг, ҳов сой бўйига муздек жой қилинг! М. Исмоилый, Фарғона т. о. | «Ана», «анови» каби олмошлар билан қўлланиб, узоқдаги кимса, нарса ёки ҳодисани ажратиб кўрсатиш, унга диққат жалб этиш учун ишлатилади. — Сигирлар қани? — Ҳов ана, тепаликда ўтлаб юрипти.

■ **Варақайга одамлар орасида гап тарқалди:** — Ҳасанова келяпти. Қаранглар, ҳов ана. Ш. Тошматов, Эрак қуши. — Золимнинг замонида тунука томли уйни ҳов ана у ёқдаги Еттибой қишлоғида турадиган мингбоши солдирган эди, — деди чол. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Бундан анча вақт илгариги кимса,

нарса ёки ҳодисани эслаш, эслатиш учун қўлланади. *Ҳов қадими Йўлчи-мисан? Ойбек, Қутлуғ қон. Албатта, ёдинизда бўлса керак, ҳов, биз Сорибойнинг дўконида чой ичишиб ўтирган адик-ку, ёдинизга тушимми? А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ҳов бир-да с. т. бир неча вақт илгари, аллақачон, кунлардан бир кунда. Агар руҳ-сат берсангиз, ҳов бирда сизга кўрсатган мактубни ўртоқларга ўқиб эшиттирсам.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ҲОВ II** унд. с., с. т. Қимсага мурожаат қилганда қўлланилади; ҳой, хей, эй. [Ермат] *Йўлчига буюрди: — Ҳов ишгит, кечаги чопиқни битириб қўйинг!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ҲОВ III** тақл. с. Ит хургандаги овозни ифодалайди; вов. *Лекин, кучук кескин бир «хов» билан жим бўлди, ялқовланиб яна ётди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХОВВА** юкл., диал. Жавобда розилик, тасдиқ маъноларини ифодалайди; ха. — *Ука, шу колхозданмисиз? — Ховва.*

**ХОВЛИ I** Уй олдидаги, атрофи девор билан ўраган майдон. *Ҳовлига сув сепмоқ. Ҳовлини сугурмоқ. Ҳовлидан мезали дарахтлар бор. — Отабек ҳовлидаги оёқ товушини эшитиб, тоқчадаги шамлардан учтасини ўчирган эди, дарчадан Зайнаб кўринди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Мен гўшт-ёғни ташиб бўлиб, ҳовлининг тўрига ўрик тергани бордим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Бирор оила ёки хонадон яшайдиган уй (шу уйга қарашли саҳн ва ер майдони билан бирга; ҳовли-жой, уй-жой). *Ҳовли сочиб олмақ. Ҳовлидан кўчиб кетмоқ. Ҳовли тўйи. Ҳовли олма, қўшини ол. Мақол. Ички (ёки ичкари) ҳовли айн. ичкари 2. Бойбува ичкари ҳовлидан ҳассасини тўқиллатиб чиқиб келди. «Эртақлар». Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодоққа ташқари ҳовлини тозалатар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Хонадон, оила. Мирза Анвар уч-тўрт кундан бери менинг ҳовлимда қўниб юрар эди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. Аҳмаджон «урушга кириб кетдим» деганича икки ой хат қилмагани учун ҳовлидагилар не-не хаёлларга боришин эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ХОВЛИ-ЖОЙ** айн. ҳовли 2.— *Пулни беҳуда сарфламанг, мулла, уч-тўртта гилам, бир-иккита сиир олиб қўйинг, ҳовли-жой қилинг. Елғиз беданага ҳам дон керак, ҳам сув,— деди Олаҳўжа. П. Турсун, Ўқитувчи. У бола-чақаларини, ҳовли-жойини ташлаб кетаяпти. С. Анорбоев, Оқ-сой.*

**ХОВЛИМА-ХОВЛИ** Бир ховлидан иккинчи ховлига ўтиб; уйма-уй. *Ховлима-ҳовли юрмоқ.*

**ХОВЛИҚИШМОҚ** ҳовлиқмоқ фл. бирг. н. Менинг бу қўрқинчли овозим-

*ни эшитган ўлик эгалари ҳовлиқишиб, эшикни очишга уринсалар ҳам, эшик очилмади. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

**ХОВЛИҚМА I** Уйлаб ўтирмасдан, шошиб, пала-партиш иш тутадиган; шошма-шошар. *Мели лодчи, мақтан-чоқ, ҳовлиқма, аммо кўнгли тоза, бегараз, шўх ва жасур ишгит. М. Қодиров, Мели Ҳоббону Наби товон. Сал ҳовлиқмароқ бўлса ҳам, жуда очиқ киз экан. Бижирлайвериб, келган докторларнинг ҳам бошини айлантириб юборди. Ғ. Мусажонов, Равшан.*

2 Бошқаларни назар-писанд қилмасдан, бошқалар билан ҳисоблашмасдан, ўз фикрини ўтказишга уринадиган; андишасиз, ўзибилармон, худбин.— *Албатта,— деди Муҳаббат,— Ҳасанжонни зараркунандлик билан айблаш.. ҳовлиқма кишиларнинг иши эди. Айнӣй, Қуллар. Бу кун унинг [Ерматнинг] бошида янги, лекин беўхшов дўппи. Амалга минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган, юзи маънисиз жиддий ва мағрур. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХОВЛИҚМАЛИК** ҳовлиқма с. белги оти. *Нури бироз ўйлади, онасининг ҳовлиқмалигини ва бу сирни эркакка ҳам, айла ҳам ёйишга тайёрлигидан чўчиди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХОВЛИҚМАЧИ** айн. ҳовлиқма. *«Ишдан, қийинчиликдан қочмайман деб қасамд қилганман»,— Тожиқўзи шу гапларни айтди-ю, унинг эсига бир нарса тушди. Кеча тоғам ҳовлиқмачи билан гап талашганда шу фикрларини унга айтмабди-да. А. Абдунабиев, С. Султонов, Ленин буйруғи билан.*

**ХОВЛИҚМОҚ I** Шошиб, пала-партиш иш тутмоқ, шошмоқ. *Ҳовлиқмай ишламоқ. Ҳовлиқмай секин келавер. — [Элмурод] .. жилгадан-жилгага париллаб учган какликларга ўқ узар, каклик гандираклаб тушган ерга қоқила-қоқила ҳовлиқиб югурар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Зарафшон асир бу кун. Ҳовлиқмайди, тошмайди. Қирғоқлардан ошмайди. Х. Олимжон.*

2 Бирор нарса таъсирида ғоят безовталанмоқ, ҳаяжонга тушмоқ; юраги така-пука бўлмоқ; ташвишланмоқ. *[Салимбойвачча] ҳовлиқиб настега югурди. Зинадан тушган чоқда Гулнор билан қаршилашди. Ойбек, Қутлуғ қон. Афанди ташқаридан ҳовлиқиб кириб келган савдогарга қаради. «Латифалар». Ҳовлиқма, ука, мен сени маслаҳат учун чақирдим. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХОВЛИҚТИРМОҚ** ҳовлиқмоқ фл. орт. н.

**ХОВОНЧА** Уриб янчиш, туйиш учун ишлатиладиган ёғоч ёки металлдан ясалган махсус идиш; келича, ўғирча. *Ҳовонча дастаси. Ҳовончада мурчи янчмоқ. — Хотиним суюқни ҳовончага солиб туйиб сандиққа солиб қўйди. «Эртақлар».*

**ХОВР** айн. ховур.

**ХОВРИҚМОҚ** с. т. Ҳовлиқмоқ. У Турсунбойнинг чайласига яқин борган-

*да, бирдан юраги ҳовриқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ХОВУЗ** [а хавз] I Сув сақлаш учун хизмат қиладиган махсус қазилган чуқурлик; сув омбори. *Чуқур ҳовуз. Саёз ҳовуз. Ҳовуз-кавлмоқ. Ҳовуз суви. — Мажнунтолнинг қуриб тушган шохлари ҳовуз бўйида ширсиз ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Боғ нинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат; ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 махс. Уй шиппага ишланадиган бе-зак, нақш-безак турги.

◆ **Ховуздан хўплам** жуда оз, арзимаган даражада. *Мухторнинг сандиғидаги олтинлар олдида Бекнинг червонлари ховуздан хўплам, холос. Х. Ғулом, Машғал.*

**ХОВУЗЧА I** ҳовуз I с. кичр. У [сув] қайнама бетон ҳовузчалар орқали ер ости қуворларига қуйилиб, дала ёқалаб югура кетди. Ш. Ғуломов, Комсомолобод.

2 тех. Деталнинг ўйма жойи, чуқурлик, чуқурча.

**ХОВУЛЛАМОҚ I** кам қўлл. айн. во-вилламоқ. *Ғазабланган кучукларнинг ҳовуллаши, томошачиларнинг қий-қирини кўкни қоплайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 с. т. Ғоят аччиқланмоқ, ўта даражада ғазабланмоқ.

**ХОВУР I** Иссиқликдан кўтарилган буғ; Самовардан чиққан ҳовур. *Тер ҳоври. — Ғиздан чиққан ҳовура панжаларини иситиб Ражаб бобо кирди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Сотти изғириндан қотган қўлларини самовар ҳоврига тутди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Ҳарорат, иссиқлик таъсири. *Мартен печлар ҳоври. Аланга ҳоври. — Қизилқум ва Қорақум барханлари қуёш қаҳр-ғазаб билан сочаган бутун ҳоврини инсонга пуркаб, бағрига ҳеч кимни йўлатмаган. С. Кароматов, Аму — Бухоро. Қуёш тиккайган сайин ҳаво кучлироқ қизийди. Соч толасини ел-пурга шамол йўқ. Ердан иссиқ ҳовур уради. Ойбек, О. в. шабадалар.*

3 кўчма Жаҳл, ғазаб, ғазабланиш. **Ҳовридан тушди I** иссиқлиги пасаёйди, совуди. *Мен ҳовлига кирганда, қуёш Ботар эди тушиб ҳовридан. Шукрулло; 2) ғазабни қайтди, тинчланди; ҳотиржам бўлди. Жамилани кўрини биланоқ, ўтдай ёниб турган .. Солиҳбой ҳовридан тушди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов. Ҳоврини босмоқ I) тинчланмоқ. Тўрабек баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўқ-ўғунча қилар, шу билан ҳоврини босар эди. Х. Нуъмон, О. Шораҳмедов, Ота; 2) тасалли бермоқ, тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ. Шарманда бўлаёк Рамазон қори ўзига сув юқтирмасликка уриниб, шаллақилик қила берди. Мудир энди, нима бўлса ҳам, унинг ҳоврини босмоқчи бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи,*



◆ **Оғзининг ховрига ош пишади** нима ни хохласа тўхтовсиз муяссар бўладиган, ғоят иқтидорли, омади юришган.

**ХОВУРЛИ** Ховри кўтарилиб, буғланиб турган. **Ялтираб кўринади қуёш шўғалларида** Сирдарёнинг қўрғошиндай ховурли сувлари. Миртемир.

**ХОВУЧ** Сув, дон каби нарсаларни тутиш учун бир-бирига бирлаштириб, қайиқсимон ҳолга келтирилган икки қўл шапалоғи. **Ховучи тўла писта.**

— **Элмурод онасининг чақирганини** ёшитиб, унга ялт этиб қаради. **Ховучидаги тупроқ ерга тўйилди.** П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Асал буви салқин Булоқҳовуш лабида ўтириб олиб,** .. муздай сувдан ховучини тўлдириб-тўлдириб иди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | **Чангал, қабзам. Ҳўжайин соқолини бир нафас ховучига олиб туриб,** кинояли жилмайди. **Ойбек, Қутлуг қон. Саид Жалолхон бир қўла уриб,** уни [пашшани] ховучига қамаб олади. А. Қаҳҳор, Башорат. **Бир ховуч 1)** бир ёки икки қўл сўқимига сўғадиган миқдор ҳақида. **Бир ховуч ёнғоқ. Бир ховуч сув.** — **Бир ховуч майиз бўлса,** роса базм бўларди-да! — **Йўлчидан** тиллани оларкан, ўз-ўзига деди **Шоқосим.** **Ойбек, Қутлуг қон;** 2) **қўйма** оз миқдордаги, озгина, арзимас. **Майиздан бир ховуч олмақ.** — **Бир ховуч** ердаги **полиз** ҳам лағнати бўрондан соғ қолмади. **Ш. Рашидов, Бўрондан** кучли; 3) **қўйма** тўда, тўп, группа. **Бир ховуч ғалламислар.**

**ХОВУЧЛАМОҚ** Ховуч билан олмақ, ховучига олмақ. **Ховучлаб** сув ичмоқ. **Ховучлаб** йчмамоқ. — **Зиёдахон** .. қопнинг оғзини аста очиб, **челакка ховучлаб** ун солди, қопнинг оғзини яна бураб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Ховучлаб** келсанг ҳам, **пақирлаб** ташсанг ҳам, **сув топ,** ғўзини ўлимдан сақла! **И. Раҳим, Чин муҳаббат.**

◆ **Жон(ни) ёки юрак(ни) ховучлаб** қўрқиб-писиб, ваҳима босиб; жон талвасасида. **Энди ташинининг кўпчилигини айттинг:** **искартдан ортиқроқ** ёмғир ёғса, **«киндан айрилиб қоламанми»** деб жонимни ховучлаб нуқул қурбақа ўлдираман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Одамлар жон ховучлаб ўзларини ўрмонга урадилар.** **Ойбек, Қуёшқораймас.**

**ХОДИС [a]:** олам ҳодис эск. кутмағанда, тасодифан. [**Ҳомид Содиққа:**] **Олам ҳодис** қўлга тушиб қолсанг, **сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйинингга олиб,** орага мени қотиштирмайсан! **А. Қодирий, Ўтган** кунлар.

**ХОДИСА [a]** 1 Табиатда, жамият ҳаётида юз берадиган ўзгарши. **Ижтимоий ҳодиса.** **Кун билан туннинг** алмашиб туриши табиий ҳодисадир. — **Россиядек** кучли давлат пачоҳида **Муҳаммад Раҳим** энди ўзини **дадил** тутди. **Бу ҳодиса энди осойишталик юзага келтирди.** **Ж. Шарипов, Хоразм.**

2 Табиатда, жамият ҳаётида, тур-

мушда юз берадиган бирор ҳаракат, воқеа. **Зилзила энг хавфли табиий ҳодисалардан биридир.** — **Бу кутилмаган ҳодисадан** қўчиган **Элмурод** нима дейишини билмай: — **Хўш, тақсир, хўш келибсиз. Нечук худо** ярлақадир? — **деди.** **П. Турсун, Ҳўқитувчи.** **Аёлнинг эркак билан баравар** чопишини **Қамишқана тарихида** биринчи ҳодиса эди. **П. Турсун, Ҳўқитувчи.** | **Ҳар кунни бир кўнгилсиз** ҳодиса **рўй** бера бошлади. **А. Қаҳҳор, Қўшчинор.** **Шу вақт Юрьев батальонининг жангчилари** учун яна бир **қувончи** ҳодиса юз берди. **И. Раҳим, Чин муҳаббат.** **Мажлисда бўлган** ҳодиса **бутун қишлоққа** ёйилди. **Тожибой билан Абдурасулнинг** айтишини қолгани **тўғрисида** ҳамма ёқда **ғов-ғув** кўтарилди. **П. Турсун, Ҳўқитувчи.**

**ХОЖАТ [a]** 1 **Кераклик, зарурилик, зарурият, эҳтиёж.** **Бу гапнинг нима** ҳожати бор. — **Иш тамом, вассалом.** **Бундай кўз ёши** томизиб ўтиришининг **ҳеч** ҳожати йўқ. **С. Айний, Қуллар.** — **Ёйлишини** бор, **болам,** ёки янги **мирзо** олишда **биронинг руҳсати**га ҳожат **борми,**— деди **маҳдум.** А. Қодирий, **Меҳробдан чаён.** **Солдатга** не ҳожат **лаш-луш** ва ҳовли, **Унинг** **Ватани** бор — **буюк** ва **жўйқин.** **Х. Шарипов.**

2 **Муҳтожлик, талаб; илтимос.** **Нима** ҳожат **билан келдингиз?** — **Ҳа,** энди, **ҳар килминг** ҳам ўзига яраша **ҳожати** бор-да, **хўжайин.** **Уйғун, Навбахор.** **Ҳожати** раво бўлмоқ **истагига** эришмоқ, **талаб қондирилмоқ.** **Ҳожатини** **чиқармоқ** (ёки **раво қилмоқ**) **кимсанин**г эҳтиёжини, **талаб ёки илтимосини** қондирмоқ. [**Иброҳим**] **бирор илтимос билан** **мурожаат қилувчига** **тик боқиб,** **йўқ** дёлмайди. **Одамларнинг** **ҳожатини** **чиқаришни** яхши **кўради.** **С. Кароматов, Бир томчи қон.** **Отамнинг** **ўлимида** ҳам у, [**Йўлдош бой**] **«ҳожатимизни** **раво қилиб»** **гўр,** **кафанга** ва **жанозага** **керак бўладиган** **нарсаларни** **бериб,** **бизни** юз **танга** .. **қарздор** қилди. **Айний, Эсдалиқлар.**

3 **қўйма** Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш. — **Ҳосият биби,** **тўй** қувончи қувват бўлди, **ўз** **ҳожатига** **ўзи** юриб **чиқа** бошлади. **С. Анорбоев, Меҳр.**

**ХОЖАТБОРОР [a+ф-т]** Кишининг ҳожатини чиқарувчи, кишига кўмак берувчи; жонқуяр. **Қишлоқнинг** **тўю маъракаси** **усиз** ўтмас, **ёр-дўстларнинг** **хизмати**га **тайёр,** **жафоқани,** **ҳожатбарор** одам эди. **Х. Назир, Васият.**

**ХОЖАТБОРОРЛИК** ҳожатбарор с. белги оти. **Майда харажатлар** учун **20 танга** **нақд пул** **керак бўлганда,** **бу** **маблағни** ҳам **ҳалиги** бой **25 танга** қилиб **тўлаш шарти** билан **бизга** **«ҳожатбарорлик»** қилиб **берди.** **Айний, Эсдалиқлар.**

**ХОЖАТМАНД [a+ф-т]** Бирор нарсага эҳтиёж бўлган, зориққан, бирор талаби ёки илтимоси бор (одам). **Тирик жонга** ҳам **сув** **керак,** ҳам **ўт** **де-**

**гандай,** [**Абу Сирож**] **ҳар кунни** **эртдан-кечгача** **қўчма-қўча** **изғиб,** **ҳожатмандаларнинг** **хизмати**ни қилиб, **чойчақа** **топади.** **Р. Раҳмонов, Ўлик** **балиқ,** **Ҳасан сўфи** **билан** **Алим** **бува** .. **ўз дардларига** **тушунувчи** **дардманд,** **ҳожатларини** **англаувчи** **ҳожатманд** **излардилар.** **М. Исмоилий, Фарғона** **т. о.**

**ХОЖАТРАВО [a+ф-т]** айн. **ҳожатбарор.** **Зориққанга,** **толиққанга** **ҳожатраво** ўзинган. **«Кўшиқлар».**

**ХОЖАТХОНА [a+ф-т]** Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш учун қилинган махсус жой; халажой, бадрафхона. **Саройнинг** **ғуслухонаси** **супурилиб,** **у ерга** **сув** **идишлари** қўйилди. **Ҳатто** **ҳожатхоналарда** **кесак** **ушатиб** **қўйиш** ҳам **эдан** **чиқарилмади.** **Айний, Қуллар.**

**ҲОЖИ [a]** 1 **Қаъбани** зиёрат этган, **ҳаж** қилган одам. **Ҳай** **дегани** **ҳожии** **йўқ,** **қўрқитгани** **бўжи** **йўқ.** **Мақол.** — **Ахир,** **ундаги** **одамлар** **ҳаммаси** **ҳожии-ку!** — **Ҳа,** **ўла қолсин,** **ҳожии** **одам эмасми!** **А. Қаҳҳор,** **Майиз** **емаган** **хотин.** **Отам** **шу кунни** **бир вақт** **келди.** **Хурсанд** **эди.** **Марғилонлик** **ҳожилардан** **дарак** **топибди.** **М. Исмоилий, Фарғона** **т. о.** | **Ҳаж** қилиш учун **Арабистонга** (**Макка** ва **Мадинага**) **жўнаган** **одам.** **Вокзалда** **қўйим** **кўйди,** **ҳаждан** **қолдим»** **деб** **у** **ёқ-бу** **ёққа** **югуриб** **юрган** **ҳожининг** **товушини** **зиштдим.** **Айний, Бухоро** **жаллодлари.**

2 **Ҳаж** қилиб, **Қаъбани** зиёрат қилиб келган кишининг **фахрий** **унво**ни, **лақаби.** **Ҳожии** **бува.** **Ҳожии** **ака.** **Ҳожии** **поча.** **Мамарасул** **ҳожии.** **Абдукарим** **ҳожии.** — **Абдурасулнинг** **отаси** **Матҳолиқ** **ака** **Олаҳўжанин**г **отаси** **Пиримқул** **ҳожиига** **қарол** **бўлган** **экан.** **П. Турсун, Ҳўқитувчи.**

**ҲОЖИБ [a]** 1 **эск.** **Дарвозабон,** **эшик** **олдидаги** **қоровул.**

2 **тар.** **Хон** эшигидаги **ходим,** **маҳрам.**

**ҲОЖИДЎПНИ** Ҳаждан қайтганлар совға тариқасида олиб келган, асосан Туркияда одат бўлган, қизил рангли, ичи чуқур, попукли бош кийими; фас. **Қаршидаги** **деворда** **икки** **кишининг** **сурати** **кўзга** **ташланади:** .. **иккисининг** **ҳам** **бошида** **«ҳожидўпни»,** **бири** **серсоқол.** **Ойбек, Қутлуг қон.**

**ХОЖИХОНА [a+ф-т]** Ҳаж йўлидаги шаҳарларда ҳожилар қўниб дам оладиган махсус жой, меҳмонхона. — **Отам** **ҳар кун** **Истамбулдаги** **ҳожихоналарга** **қатнаб,** **таниш** **ахтарар,** **кетшига** **ёрдам** **излар** **эди,**— деди **Ҳожии** **хола.** **М. Исмоилий, Фарғона** **т. о.** **Ҳайриятки,** **ҳожихонанин**г **эгаси** **Фуод** **афанди** **бизга** **меҳрибончилик** **қилиб,** **овқатимизга** **қарашиб** **турди.** **М. Исмоилий, Фарғона** **т. о.**

**ХОЗИР [a]** 1 **Бирор** **иш-ҳаракатни** **бажаришга** **чоғланган;** **шай,** **тайёр.** **Биз** **сафарга** **ҳозирмиз.** **Машиналар** **пахта** **теримга** **ҳозир.** — **Жавоб** **беришга** **ҳозирмиз,—** деди **Ойқиз** **раисининг** **сўзларини** **бўлиб,** **Ш. Рашидов,**

Бўрондан кучли. Хой кўргон устидаги азаматлар! Хозир бўлингиз! Ясов тортингиз, бек келадилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарлардан «хон бу шини маслаҳат кўрсалар, биз ёрдама ҳозирмиз», деган .. жавоб мактуби олинган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Пайдо, мавжуд, бор. Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир. Мақол. — Врач .. кечаси соат ўн иккидан кейин Рафаэлни касалхона девори ёнида ҳозир қиладиган бўлади. Ё. Ханмов, М. Раҳмон, Хаёт-мамот. Бир кунги техникумимизда бадий кеча бўлиб, унда «Намуна драматик труппасининг етакчи ўзбек артистлари ҳозир бўлишиди. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 Ҳуз Нутқ сўзланиб турган пайтнинг ўзида, шу пайт, шу он. Бу хонада ҳозир дарс бўляпти. Саволимга ҳозир жавоб бер. Хатни ҳозир ёз. Чироқ ҳозир ҳам ёниб турибди. — Кумуш онасининг юрагидаги ўтми ҳозир синамасдан ҳам ҳис этди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Нутқ сўзланиб турган пайтдан сал олдин, яқинда. Бир оз кечикдингиз, поезд ҳозир жўнади. Мен ҳам қишлоқдан ҳозир келдим. — Йигидан кўзлари, қовоқлари қизариб шишган Шоқосим этиб келди. Вафот қилди жонқашим, дардқашим. Ҳозир қўлимда жон берди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нутқ сўзланиб турган пайтдан сал кейин, бир оздан сўнг, энди; дарров. — Қачон жўнайсан? — Ҳозир. — Мен ҳозир кетишга мажбурман. Буни ўзингиз ҳам ангаурсиз? А. Қодирий, Утган кунлар. | Шу кунларда. Ҳозир ҳар бир соат, ҳар бир минут ғанимат. Ҳозир ҳам келиб-кетиб турилади. — Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади? А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ХОЗИРГАЧА** рвш Шу пайтгача, шу дамгача. Бу буйруқ ҳозиргача амалга ошмаган эди ва бундан кейин ҳам амалга ошмайдиган бўлди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХОЗИРГИ** Нутқ сўзланиб турган пайтга оид, шу пайтдаги, шу замондаги. Ҳозирги кишилар. Ҳозирги мода. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Одамнинг асл мақсад ва интилишини, самимиятини, унинг ўтмиши билан ҳозирги ҳаётини чоғиштириб белгилаш мумкин. П. Турсун, Уқитувчи. | Амалдаги. Ҳар иккала тоида бундан бошқа ҳам араб, латин ва ҳозирги алифбеда ёзилган ёзувлар кўп, А. Қаҳҳор, Хогинлар.

◆ Ҳозирги замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтда бўлаётган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъл категорияси.

**ХОЗИРГИДАЙ** Сўзловчининг кўз ўнгига, ҳозир бўлаётган ёки кўриниб турган каби. У ишлар ҳозирғидай эсимда. — «Йўқ ишқилиб, сув қиқса бас» дейдиган бўлсак, нарёқдагилар ҳозир-

ғидай қазиверади-ю, сизлар икки ярим кулоч наstdан оласизлар,— деди Аллим бува. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

**ХОЗИРГИНА** рвш Эндигина, яқиндагина.— Аёллар ҳозиргина тарқалишиди,— деди Гулсум. П. Турсун, Уқитувчи.

**ХОЗИРДАН** рвш Шу пайтнинг ўзида; олдиндан. Олиб чиқишимиз душанба кечасининг қайси пайтига тўғри келишини ҳам ҳозирдан айтиб бўлмайди. А. Қодирий, Утган кунлар. Мирзажон кўнгида шоирлик дарди билан туғилган бола. Ҳозирданоқ шундай шеърлар ёза бошладики, ўқиганингизда кўзингизга беихтиёр ёш келади. П. Турсун, Уқитувчи.

**ХОЗИРЖАВОБ** [а] Берилган саволга, луқмага дарров, кўп ўйламасдан жавоб бера оладиган, керакли сўз ёки гапни дарров топа билладиган. Аскиячи одам ҳозиржавоб бўлади. — Ҳар ким билан сўзлаша олиш, ким нима тўғрисида сўзлаша тушунши, ҳозиржавоб бўлиш қандай яхши! А. Қаҳҳор, Сароб. Бу одам хушчақчақ .. ва ҳозиржавоб бир киши эди. Айний, Эсдалиқлар. У қиз ўзи доно экан, ҳар гапда ҳозиржавоб, менга деди: — Уртоқ шоир, Кечикдингиз сиз шу тоб. Шайхзода.

**ХОЗИРЖАВОБЛИК** ҳозиржавоб с. белги оти. «Ҳар гектар еримиздан 50 центнердан ҳосил ундирмоқчимиз. Мажбуриятга шундай деб ёзинг». Қозоқнинг бу ҳозиржавоблигини кесатқими, чинми эканини тушуниб бўлмасди. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

**ХОЗИРЛАМОҚ** 1 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга шай қилиб қўймоқ, тайёрламоқ. Сафарга отларни ҳозирламоқ. Машиналарни теримга ҳозирламоқ.

2 Мавжуд қилмоқ, мухайё этмоқ; тайёрламоқ. Меҳмонлар ҳозир келади, тездан жой ҳозирланг, дастурхон ҳозирланг. — Отабек тушига яқин уйғонгач, Ҳасанали чой ҳозирлади, А. Қодирий, Утган кунлар.

**ХОЗИРЛАНМОҚ** ҳозирламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Катта кўчадаги икки туп тол кесилиб, ўттин ҳозирланди. И. Раҳим, Ихлос. Учала меҳмон ва табибга том шийпониди жой ҳозирланди. С. Абдулла, Қувғинда. Анвар кечқурун ўрдадан қайтишига ҳозирланар эди, А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХОЗИРЛАТМОҚ** ҳозирламоқ фл. орт. н. Дарҳол язғаси, яъни опасининг уйига юеуриб жой ҳозирлатди ва шу кечасидаёқ Анвар билан Рағнони элтиб жойлаштирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХОЗИРЛАШМОҚ** ҳозирламоқ фл. бирг. н. Марҳумга қабристон ёнидаги ўзи ўтқазган гуллар яқиндан жой ҳозирлашибди. М. Салом, Набигул.

**ХОЗИРЛИК** 1 ҳозир 1 с. белги оти. Машиналарнинг ишга ҳозирлигини текшириши.

2 Бирор нарсани бажариш, амалга

ошириш учун қилинадиган тайёргарлик ишлари, тайёргарлик. Шу кунларда кўклам ишларица ҳозирлик қизгин бормоқда. — [Отабек] пешиндан кейин йўлга чиқши учун ҳозирлик ҳам кўра бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар. Тез кунда мени Бокуга жўнатишига ҳозирлик кўра бошлади. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 Катнашиш, иштирок этиш; иштирок. Олти гувоҳнинг ҳозирлиги билан мажлис очилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХОЗИРЧА** рвш Бир оз вақт, бир оз муддат, маълум вақтга қадар; вақтинча. Ҳозирча кетмай туринг. Сиз сўраган китоб ҳозирча йўқ. — Мана, Мутал полдон, ҳозирча оз бўлса ҳам, шунга олиб турасиз, аммо хизмат ҳақингиз ўз йўлига бўлади. А. Қодирий, Утган кунлар.— Албатта борамиз. Ҳозирча хайр, Антонина Анатольевна! — деди Фотима. П. Турсун, Уқитувчи.

**ХОЗИРЧАЛИК** с. т. Ҳозирча. Ҳозирчалик шу хонада тура туринг.

**ХОЗИҚ** [а] эск. кт. Энг тажрибали, маҳоратли, мохир, ўткир. Ҳозиқ ҳақим бошини оқизона чайқади, холос. Ойбек, Навоий. Табиб (ёки ҳақими) ҳозиқ энг тажрибали, мохир, ўткир табиб. Подшо девон маъмури бўлган марҳум Абдуллонинг ўғли Ҳусайн табиби ҳозиқ бўлибди, деган хабарни эшитиб, уни дарҳол ҳузурига чорлатди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Ҳоқон, яралик кўнелиларнинг ишфоси учун сиз ҳақими ҳозиқ бўлишингиз керак. Ойбек, Навоий.

**ХОЙ** унд. с. Бирор кимсани чақирриш ёки муурожаат қилиш учун ишлатилади. Хой ним, сенга нима бўлди? — Орқа томондан овозлар эшитилди: — Хой, хотинини ўлдирган номард, нега кўкрагингни яланғочлаб қолдинг?! — деди биров. П. Турсун, Уқитувчи. Хой, боққа сув тошиб кетди, тез кириб бўғиб қўйинг. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кимсанинг диққатини жалб этиш учун қўлланилади.— Хой, кўпчиликдан юз ёғирманг. Бунинг ҳосияти бўлмайди! — дейиши одамлар. П. Турсун, Уқитувчи. | Муурожаат билан бирга огоҳлантиришни ифодалайди. Хой, хой ҳаддингдан ошма. — Хой, хой, отамиз! Тошни кесар болтамиз. Замон келди ишчиларни Уйқудан уйғотамиз. Ҳамза.

**ХОЙНАХОЙ** [ф-т] кириш с. Балки, эҳтимол(ки). Хойнахой сиз уни биларсиз? Хойнахой ўзи ҳам келиб қолар.

— Хойнахой раисни сўрайди,— ота бу гапларни пицирлаб такрорлади. С. Махкамов, Шоғирд.— Менга қаран, ака,— деди йигит Азимжонга қараб,— сиз нима, ойдан тушганмисиз? Шундоқ бўлса ҳам ҳазрат Навоийни билсангиз керак хойнахой? А. Мухтор, Чинор.

**ХОЙ-ХОЙ** айн. хой.

**ХОЙХОЙЛАМОҚ** 1 «Хой», «хой-хой» деб чақирмоқ.

2 Тағтибга чақирмоқ; тергамоқ;

огоҳлангирмоқ. *Чол тутга чиққан болаларга ҳойҳойлаб турарди.* | Кўримоқ. *Ҳойҳойлаб чуғурчуқларни қочирмоқ.*

**ҲОЙҲОЙЛАШМОҚ** ҳойҳойламоқ фл. бирг. н. *Меҳнат қилган эру-хотин, ёшу-чолни Ҳойҳойлашиб, хабарлашиб чорладилар.* Ғ. Ғуллом.

**ҲОЙ-ХУЙ:** ҳой-хуй қилмоқ «эй», «ҳей», «ҳой» каби сўзларни ишлатиб чақирмоқ, ундамоқ.

**ҲОЙХУЙЛАМОҚ** «эй», «ҳей», «ҳой» сўзлар билан чақирмоқ, ундамоқ; ҳой-хуй қилмоқ, *Отларнинг кишинаши, одамларнинг ҳойхуйлаши манзилнинг ақинлигини билдирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ҲОКАЗО** [а] (одатда «ва» боғловчиси билан) Шу сингари, шунга ўхшаган (лар), бошқалар. *Йўқ, ота, бу пул [юна пули] бировнинг кармонига тушмайди.* Ҳозир қоғоз, босмаҳона ва ҳоказо харажатлар учун пул етишмайди. Ойбек, Кутлуг қон. *Тўлаганинг эсига алиф, вентилятор, Абдуманнофнинг эсига мурч, цемент можаролари тушиди ва ҳоказо.* А. Қахҳор, Оғайниллар.

**ҲОКИМ** [а] 1 тар. Урта Осиё хонликларида белгилли бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан хонубек амрини ўтказиш учун белгилаб қўйилган амалдор. *Холвани ҳоким ер, калтакни — етим.* Мақол. — *Қорабек авалларда баъзи амалдорлар ва ҳокимларга мирзолик — котиблик қилиб юрарди.* Айний, Эсдаликлар. *Бу янглиғ ҳукмиюмизни ўз қаламравимизда бўлган барча бекаримизга, ҳоким, кўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб буюрамиз.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 тар. Собиқ Туркистон ўлкасидаги, юртидаги айрим шаҳар ёки музофатларда чор ҳукуматининг сиёсатини ўтказиш учун белгиллаб қўйилган юқори мансабли амалдор. *Тағин бойлар, амалдорлар, ҳокимлар, мингобоши — оқсоқоллар ҳукумат тепасида, қоринларини қаплайтириб, мўйловларини силаб юришипти.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ана шундан кейин Ғулможон шаҳарга тушиб, тўғри ҳокимга учради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳокими мутлақ маълум бир территорияда чексиз ҳокимиятга эга бўлган олий мансабдор (подшоҳ, амир, хон ва ш. к.).*

3 Уэ измига юргизувчи, ўз фикрини ўтказувчи; ҳукмрон. *Ҳоким синф.* — *Лекин қалбга биз ҳоким эмас, Унда орзу чексиздир ҳамон.* Х. Олимжон. *Бир замонлар ҳоким бўлди сенга қуръон, Ҳоким бўлди олтин, кумуш бало, зиндон.* Ғайратий. || *Овозинг дўриллар, демак бу уйда Икитта эркакнинг шарпаси ҳоким.* Ғ. Ғуллом. | Ғолиб, устун. *Бундан уч йил бурун ҳавода ҳоким бўлган, вақтинча қозонган муваффақиятлари билан талғаб кетган фашистлар энди адабларини емоқдалар.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

**ҲОКИМИЯТ** [а] Давлат бошқармаси

ва унинг органилари; ҳукумат; сиёсий ҳукмронлик. *Олий ҳокимият.* Совет ҳокимияти. — *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тираги эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ўзбекистон ССР-да бутун ҳокимият шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлариники бўлиб, бу ҳокимиятни улар халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширадилар.* «ЎзССР Конституцияси». *Холмат Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ер олди ва икки укаси билан ишлаб, хўжалигини тuzатиб олгач, 1929 йили қишлоқда тузилган артелга кирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҲОКИМЛИК** ҳоким с. мавҳ. от. Ҳокимлик қилмоқ. — *Юсуфбек ҳожии: — Менинг биринчи хонис тилагим, албатта, мазлум халқ тилидан бўладир; бундан сўнг Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Уғри, муттаҳам, дайдиларнинг соғи йўқ.* Яхшики ўрис тўралар, полициялар иш билармон, ҳокимликка уста одамлар. Ойбек, Кутлуг қон.

**ҲОКИМОНА** [а+ф+т] 1 рвш Бошқалардан устун турадиган, ўз ҳукмини ўтказадиган кишиларга хос, ҳокимларга ўхшаб.

2 Бошқаларни ўзига бўйсундириш, мафтун қилиш қобилиятига эга бўлган. *Бир оз сукунатдан сўнг Ботиралининг ҳокимона командаси янгради.* Х. Ғуллом, Машъал.

**ҲОЛ** [а] 1 Турмушда пайдо бўлган, юз берган вазият, шароит, аҳвол. *Шу ҳолда иш яхши борадими? Бу қандай ҳол?* — *Партия аъзосининг ишдаги ярамас ҳолларни яширишга ... ҳақи йўқ.* «КПСС Устави». *Менинг ўрнимда бўлаганингизда сиз ҳам шу ҳолага тушар эдингиз.* А. Қахҳор, Сароб. *Отабек бу икки ҳолдан, табиий, бирусини бу соат ўзининг кўз йнгида кўрар ва шунга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Кимса, нарса ва унинг қисмларининг фазода жойланиш тарзи, кўриниш; ҳолат, вазият. *Ётган ҳолда.* *Сочилган ҳолда.* *Қоя жарликка эгилган ҳолда қаққайган.* — *Мели полвон Сотволдига юзини ўеирган ҳолда ниқиллаб кулиб юборди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Имом ерга қараган ҳолда, бошини қимирлатиб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Кишининг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзини сезиши; жисмоний ва руҳий ҳолат, соғ-саломатлик, кайфият, авзо, кўриниш. *Илжайган ҳолда.* *Ковоғи осилган ҳолда.* *Ҳолингиз қалай? Ранг кўр — ҳол сўр.* Мақол. — [Мадами] *қошларини чимириб ноҳуш бир ҳолда ердан кўз узолмай сўради:* *Бир нарса чиқара алармикин?* П. Турсун, Уқитувчи. *Мана, маст ҳолда Тожибой тўппа-тўғри Гулсумнинг эшигига келди-да, занжири ичинмаган эшикни тиззаси билан бир итариб ичкарига кирди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ғариб*

*билмасдан, ҳолин сўрагин, Тўғри юргин, сира гофил бўлмагин.* «Ширин билан Шакар». *Ҳоли танг оғир аҳволга тушган, қийналган. Ҳол тили ички кечинмаларни, ҳол-аҳволни билдириб турувчи ташқи восита, ранг-рўй, кўриниш. Бу икки ёш орасида севги алоқаси ҳаллгача тилга олинмаган ва ҳар иккалалари ҳам бир-бировларига ўз ички кечинмаларини ёлғиз ҳол тили билан изҳор қилмоқда эдилар.* Айний, Дохунда. *Ҳолдан тоймоқ қ. тоймоқ.*

4 грам. Иш-ҳаракатнинг ўрни, пайти, сабаби, мақсад ва қай тарзда бажарилишини билдирувчи гап бўлаги. *Мақсад ҳоли. Пайт ҳоли. Равиш ҳоли. Сабаб ҳоли. Урин ҳоли.*

◆ **Аҳли ҳол** эск. кт. раҳмдил, кимса учун қайғуврвчи, жонкуяр одам. **Таржимаи ҳол қ. таржима.** **Арзи ҳол айламоқ** (ёки қилмоқ) ўз аҳволини ва истагини изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ. **Ҳолнга вой** бирор кимсанинг иши чатоқ бўлганини таъкидлаб, унга ачиниб айтиладиган ибора. **Акс ҳолда** айтилган гаплар амалга ошмаган тақдирда. **У ҳолда** у тақдирда, ўшандай бўлса.

**ҲОЛАНКИ** [а+ф+т] кам қўлл. айн. ваҳоланки. *Сиз ўқиган китоб бир икки ойда ҳам кўрмай тураан иқлимлар учун ёзилган; ҳоланки, бизнинг бу жойларда, шукур, ҳамма вақт оқар сув тайёр.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ҲОЛАТ** [а] 1 Ҳол, аҳвол, вазият. *Бошланғич ҳолат.* *Ҳарбий ҳолат.* *Ҳуши сизлик ҳолати.* — *Ишлайтган одамлар уни [Олахўжани] бу ҳолатда кўриб, жуда ҳайрон бўлиб, ишдан тўхтаб қолдилар.* П. Турсун, Уқитувчи. *Отабек қийин ҳолатда қолди ва оғзига шу гап келди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Стасиков ишга киришмасдан революцион отрядларнинг ҳолатини текшириб чиқди.* С. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси.

2 Кўриниш, қиёфа, авзо. *Ҳомиднинг юзидаги бояғи ҳолат яна ҳам кучланиб, гўё тоқатсизлангандек кўринар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Улар ҳолат** жуда қийналган, заифлашган бир ҳол. *Киз орзу-ҳавас кўролмаган онасининг дашином ва зихновларидан ўлар ҳолатга етганда, бахтига, ер ислоҳоти бўлиб қолди.* А. Қахҳор, Кўшчинор.

3 **Диал.** Куч-қувват, дармон, мадор; қудрат. *Ғознинг бир оғи синган, бир қаноти майиб бўлган, ўқ тегиб ҳолати кетиб, шу ерга йиқилган.* «Ал-поминиш». *Энди мендан ҳолат кетди, бек Шакар, Бу чўлларда энди қолдим, хору-зор.* «Ширин билан Шакар».

**ҲОЛ-АХВОЛ** [а] Одамнинг руҳий ва жисмоний ҳолати; соғ-саломатлик. *Эшон билан қасоб тиз чўкишиди-да, қўлларини фотиҳага очишди.* Сўнг-ра Элмуроддан ҳола-аҳвол сўрадилар П. Турсун, Уқитувчи.

**ҲОЛ-БАҚУДРАТ** қ. ҳол(и)-бақудрат.

**ҲОЛБУКИ** зидл. боғл. Ҳақиқатда

эса, амалда. *Атиреулар* ҳамон очилб ётибди, *холбуки* қиш киранига бир ҳафта бўлди. — *Холбуки бусиз ҳам қийналарди жон, бусиз ҳам етарли фалокат, азоб.* Х. Олимжон. *Агар ўйлаб кўрсанг, йиғлаш сенинг ҳаққинг эмас, менинг ҳаққим, холбуки мен йиғламайман.* А. Қодирий, *Мехробдан* чаён.

**ХОЛВА** [а] Ун, шакар ва ёғдан, баъзан кунжут, мағиз қўшиб тайёрланган ширинлик, қандолат. *Пашмак ҳолва.* — *Арава-арава ун, гуруч, қоп-қоп бодом, pista, кажаваларда холвалар, қирқ-эллик катта-кичик лишида ҳар хил мевалар.* Ойбек, *Кутлуғ қон.*

◆ *Бу ҳали (ёки ҳам) ҳолва бу ҳали ҳеч гап эмас, буларга чидаса бўлади.* *Ўғилми, ҳолва? этн. Ўғилми?, қиз? янги туғилган бола ҳақида бериладиган савол (қиз унашилганда куёв томондан қиз томонга юбориладиган совғаларга ҳолва қўшиб юбориш одат бўлгани учун шундай дейлади).* *Ҳасанали ҳам илжайиб ёнчиқ кавлашга тутинди ва: — Ўғилми, ҳолва? — деб сўради хотинидан. — Ўғил!* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

**ХОЛВАГАР** [а+ф-т] айн. ҳолвачи. **ХОЛВАЙТАР** [а+ф-т] Доғ қилинган ёққа ун солиб сал қизаргунча қовуриб, устидан шакар эритилган сув қуйиб тайёрланадиган ширин таом. — *Бола чинни товоқда ҳолвайтар кўтариб кирди.* Ш. Ризо, *Қор ёғди*, излар босилди. *Муҳаййир чаққонлик кўрсатиб, ҳолвайтар қилишга уриниб кетди.* С. Абдулла, *Мавлоно Муқимий.*

**ХОЛВАПАЗ** [а+ф-т] айн. ҳолвачи. *Ўзгиз чучисин десанг, ҳолвапазнинг ёнига бор.* Матал.

**ХОЛВАФУРУШ** [а+ф-т] Ҳолва сотувчи; ҳолвачи. *Бир томонда ҳолвафуршлар бақиршиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, «от нон» сотмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, *Турмуш уринишлари.*

**ХОЛВАЧИ** 1 Ҳолва тайёрловчи уста; ҳолвагар, ҳолвапаз.

2 Ҳолва сотувчи; ҳолвафурш.

◆ *Ҳолвачининг тешасидай қ. теша.* **ХОЛ-ЖОН:** ҳол(и)-жонига қўймай (ёки қўймасдан) унамаганига қарамасдан, қистаб, зўрлаб, қўярда-қўймай. [Гулжон:] *Ҳа! Хонпоиша олимникидан киши келиб, тез юрасиз, деб, ҳол-жонимга қўймай олиб кетди.* Ҳамза, *Заҳарли ҳаёт.* — *Амаким ҳоли-жонимизга қўймай кўчиртириқчи бўлиб турибди.* — *деди Нигор.* А. Ҳасанов, *Чироқлар.* Унинг мўлжалига қўра Сидиқжон яна қасам ичishi, юр деб қисташи, ҳол-жонига қўймаслиги керак эди. А. Қаххор, *Қўшчинор.*

**ХОЛ(И)-БАҚУДРАТ** Ўз кучи ва имкониятига яраша, қўлдан келгунча, куч етгунча. *Хирмон кўтарилганда деҳқонлар унга ҳол-бақудрат бир ғалвир-ярим ғалвир капсан беришар эди.* А. Қаххор, *Сароб.* *Ўшанда Кўпайсинхон онасига эрашиб далага чиқар,..*

*ишлайётганларга чой қайнатиб берар, ҳоли-бақудрат пахта терарди.* А. Абдукаримов, *Чўл бургути.* *Ишингни кўрсатавер, ҳол-бақудрат қила берамиз.* Дарё сувини баҳор тоширади, одам кучини меҳнат оширади. И. Раҳим, *Чин муҳаббат.*

**ХОЛСИЗ** Ҳолдан зайған, мадори курилган; дармонсиз, таифа. *Арча сандиқ ёнидаги наमत устида ҳолсиз чўвилиб ётган бу одамнинг юз-кўзи уст-боши қандай? — билиб бўлмас.. эди.* А. Мухтор, *Қорақалпоқ қиссаси.*

**ХОЛСИЗЛАНМОҚ** Мадори қуримоқ, дармонсизланмоқ, заифлашмоқ. *Усмоножон акасини уйга олиб келди.* *Лекин, Одилжон шу касалланганича соғайиб кетолмади.* *Ҳолсизланиб юриб, охири ўлди.* С. Зуннунова, *Гулхан.* *Қусиб чарчаган Кумуш ҳолсизланиб бошини ёстиққа ташлади.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

**ХОЛСИЗЛАНТИРМОҚ** ҳолсизланмоқ фл. орт. н. *Номгаълум одам қўлга тушиб қолиш кўрқусидан бўлса керак, мени оёғи билан қаттиқ тепиб ҳолсизлантириб ташлади.* — *вишикка қараб югурди.* Айний, *Бухоро жаллодлари.* *Совет жангчилари.. ваҳший душманни ҳолсизлантириб, тинкасини қуритмоқдалар.* Н. Сафаров, *Комиссар Қорабоев.*

**ХОЛСИЗЛИК** ҳолсиз с. белги оти. *Адолат бўйлашди.* Индамай, *ҳолсизлик билан стулга ўтирди.* С. Зуннунова, *Гулхан.*

**ХОЛСИРАМОҚ** с. т. Ҳолсизланмоқ.

**ХОЛ-ҚУДРАТ** [а] айн. ҳол(и)-бақудрат. — *Оббо, ношуқур бандалар-эй, ишунча неъматни [дастурхонга] тўжиб ташлади-ю, яна нолгани нимаси? Ҳамма нарса ҳол-қудратга қараб-да!.. — деди Хўжаназар ака Моҳидилга.* Ж. Абдуллахонов, *Тўфон.* *Қирда лўлилар қишлоғи бунёда келди.* *Ҳар бир оила ҳол-қудрат уй қуриб олди.* Н. Сафаров, *Катта қарвон йўлда.*

**ХОМИЙ** [а] Қимса ёки нарсани химоя этувчи, тарафини олувчи, ёқловчи; кўмак берувчи. *Исломуҳўжа юртнинг бойлари, пулдорлари.. ўртасида кундан-кунга обрў қозониб, уларнинг ҳомийсига айлана борди.* Ж. Шарипов, *Хоразм.* *Домла-имом босмачиларни — Исломулаккари, дин ҳомийлари, халқнинг бошига ёғилаётган балоларга балогардон, деб тушунирттар экан.* Х. Носирова, *Мен ўзбек қизиман.* **Ҳомий бермоқ фольк.** ёрдам бермоқ, қўлтиқламоқ. *Канизлар қўлтиғидан ҳомий бериб, отдан тушириб олмоқчи бўлди.* «Алпомиш».

**ХОМИЙЛИК** Қимса ёки нарсани химоя этиш, тарафини олиш; ёрдам бериш; ёрдам. *Қосонда.. техникага меҳр-муҳаббати, эътиқоди зўр хотин-қизлар оз эмас.* *Аммо уларга ҳомийлик етисимайтир.* Э. Исроилов, *Қизларни ўқсатиманг.* — *Ёшларга ҳомийлик қилиш йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир.* — *деди қалтираб,*

*бўзариб, мунофиқлардан бири.* Ойбек, *Нур қилдириб.*

**ХОМИЙСИЗ** Ҳимоя этувчиси, тарафдори йўқ, химоясиз; ёрдам берувчиси йўқ, ёлғиз. *Ота-онадан етим, ҳомийсиз қолгани етмагандек, мусофир юртида у мафосил [суяк сирқираш] касалига мубтало бўлиб қолди.* М. Осим, *Сехрли сўз.*

**ХОМИЛА** [а] Она қорнида пайдо бўлган бола. *Алпомиш кетган вақтда Барчиннинг бўйида ҳомила, гумона қолган эди.* «Алпомиш».

**ХОМИЛАДОР** [а+ф-т] Қорнида ҳомиласи бор; иккиқат. *Гулнор бирдан чўчиб кетди, қорнида бир ниманинг анча сезиларли равишда уранини туйди.. Дарров англади — у ҳомиладор!* Ойбек, *Кутлуғ қон.*

**ХОМИЛАДОРЛИК** ҳомиладор с. белги оти. *Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшикдан кирарди-ю, Баллини маҳкам кучоқлаб, юзларидан чўпиллатиб ўпарди.* Р. Файзий, *Шохи дарпарда.*

**ХОМИЛАЛИ** айн. ҳомиладор.

**ХОМУЗ** [а]: ҳомузи қорбун эск. қарбонгази.

**ХОМУЗА** [а]: ҳомуза тортмоқ айн. ҳамёза тортмоқ қ. ҳамёза.

**ХОПИТМОҚ** диал. Чўмилмоқ.

**ХОПИТГИРМОҚ** ҳопитмоқ фл. орт. н.

**ҲОРДИҚ** 1 Меҳнат қилиб чарчаганлик, толганлик, ҳорғинлик, чарчоқ. *Мулоим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордигини сугургандай бўлди.* Ойбек, *Кутлуғ қон.* *Болаларнинг «заказини бажаришга кетган дам олиш соатларининг ҳордиги бирварақай ёзилгандай, кўкрагини тўдириб нафас олди.* Х. Назир, *Сўнмас чақмоқлар.* *Эркин меҳнат қўшиқларинг басталаб Яхшилоб чал, ҳордиқларим тўқайин.* Ғайратий.

2 Ишдан тўхтаб дам олиш; куч йиғиш; ором олиш. *Ҳордиқ чиқармоқ.* *Ҳордиқ олмақ.* — *Ҳордиқдан сўнг якка чиқдим мен кезишга.* Ғ. Ғулом. *Одамлар кечки овқатларини қилиб ҳордиққа ётдилар.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.* *Мана, вакиллар икки соатлик ҳордиқ чиқаранларидан кейин, тўқликдан оғирлашиб ва ялқовланиб, кўчага томон ҳаракат қилдилар.* П. Турсун, *Ўқитувчи.* *Сизлар учун безатилган боғлар бўстонлар.* *Ҳордиқ олсинг, яранг, яшанг, фароғат қилинг.* Ҳабибий. **Ҳордиги чиқди** 1) чарчаганлиги кетди, дам олди, ором олди, роҳат қилди. [Гулжон:] *Келинг қизим, қўлингизни ювинг.* *Жиндак наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.* Ҳамза, *Паранжи сирлари;* 2) кўчма бирор ташвишли ишдан қутулиб энгиллик тортиди, кўнгли жойига тушди, қониқди. *Саидий кўп чидаб муаммони ҳал қилиб, ҳордиги чиққандан чуқур нафас олди.* А. Қаххор, *Сароб.*

3 с. т. Дам олиш кунни. *У ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, хобми-*

гарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди. А. Қаҳҳор, Мирзо. **Хордиқ кунни айн.** хордиқ 3. Хордиқ кунлари шаҳардан чиқадиған автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида] картина қўйиб берар эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**ХОРДИҚХОНА** с. т. Ишдан сўнг кириб ўтириб ёки ётиб дам оладиган махсус бино. [Улар] клубда яқинда ташкил қилинган хордиқхонага кириб, музика эшитишиди. Ҳ. Ғулом, Сенга интиламман.

**ХОРИБ-ТОЛИБ** Чарчаб, толиқиб. Узоқ пиёда сафардан ҳориб-толиб келган киши ҳолатида эшикка қараб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.— Шоввозлар, яқинлашиб қолди, бардам бўлинглар,— деди Пирнафас ака. Яна ҳориб-толиб қадам ташлашарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ХОРИБ-ЧАРЧАБ** айн. ҳориб-толиб. [Икромжон] ҳориб-чарчаб чодури олдида якка ўзи чой ичиб ўтирарди. С. Ахмад, Уфқ.

**ХОРИМОҚ** Иш, меҳнат қилиб ёки йўл юриб толиқмоқ, чарчамоқ. **Озиқли от ҳоримас.** Мақол. — Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлғудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу олти от узоқ ҳориб келибди. «Равшан». Хола, Сидиқжонингиз ҳориб қолди, бир «ҳайт!» деб юборинг, зора мадад бўлса. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ХОРМАНГ** унд. с. Ишлаётган ёки йўл юриб келган кишидан ҳол сўраш, унга мадад тилаш учун айтлади.— **Хорманг энди, отам!** — деди аёл, қотма узун қўллари билан Элмуроднинг елкаларидан силаб, П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХОРМАС** Ҳормайдиган, чарчамайдиган; серғайрат, куч-қуввати кўп. **Хормас киши.**

**ХОРМАС-ТОЛМАС** айн. ҳормас. **Хормас-толмас тадқиқотчи.** — Инсоннинг озодлиги, бахти йўлида Феликсдек ҳормас-толмас курашчан бўл. Тез коммунистлар сафига ўт, иродангни қайра! П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХОРМОҚ** айн. ҳоримоқ. — Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лектин тоза кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди,— деди генерал. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ХОРҒИН** Узоқ давом этган меҳнат туфайли ўта чарчаган, толиққан. Унда-мунда деҳқонларорик, ҳорғин хўкизларнинг туртиб чиққан сунжарига «шақ-шақ» уриб, омон билан ер сурадилар. Ойбек, Қутлуғ қон. || Қатта йўлга чиқиши олдида Салимнинг боғ қўшиниси, чангага ботиб ҳорғин келаетган Абдулхайқ ота учради. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳорғинлик акс этган, толиққан. Адолат ялт этиб Ўсмонжонга қаради. Унинг уйқу қисиб келаетган ҳорғин кўзлари Адолатга меҳр билан қараб турарди. С. Зуннунова, Гулхан. **Муттар эрининг ҳорғин юзига тикилди.** О. Еқубов, Ота изидан.

**ХОСИД** [а] эск. кт. Ҳасад қилувчи;

ҳасадчи, бахил. **Даричалари ёпиқ машқ-хонанинг ичи ҳосилдор юрагидек қоп-қоронғи, даромад ҳам ёпиқгандан сўнг уй гўё лаҳад тусига кирди.** А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ҲОСИЛ** [а] 1 Ерга экилган экиндан ёки мевали ўсимликдан олинадиган дон, мева, уруғ ва ш. к. мажмун; унум. **Бугдой ҳосили. Пахта ҳосили. Мўл ҳосил. Ялли ҳосил.** Барвақт қилинган ҳаракат, ҳосилга берар баракат. Мақол. **Тани тупроқдан, ҳосили кетмондан.** Мақол. — Ҳосил экинни ёзда қандоқ парварши қилишига ҳам боғлиқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бўлиқ ҳосил билан сахий кўз келди, Қадрдон далалар яшинади яна.** Э. Раҳим. **Ҳосилга ҳосил қўйишни кўзласан, ўзинг ҳам, машина ҳам то терим бошлангунча гўза ичидан чиқмасин!** Ҳ. Назир, Механизатор. **Ҳосилга кирмоқ** мева бера бошламоқ. **Боғдаги мева дарахтлари ҳосилга кирди.** | Экин ёки боғдан келадиган даромад. **Қизиқ, биз пахта етилмай, териб улгурмай, ҳосилни қарз-қурз, бўнак билан тамомлаймиз.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳосил (эркаклар исми).

◆ **Ҳосил бўлмоқ** келиб чиқмоқ, юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. **Реакторда ҳосил бўладиган иссиқлик.** — **Аҳмаджон чакалакзордан ўтиб, пулемётни снаряддан ҳосил бўлган бир чуқур бўйига ўрнатди.** А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Ҳосил қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) пайдо қилмоқ, юзага, борлиққа келтирмоқ. **Сув ҳосил қилмоқ;** 2) бирор нарсани топмоқ, эришмоқ, ўзлаштирмоқ; эга бўлмоқ. **Малака ҳосил қилмоқ. Тасаввур ҳосил қилмоқ.** — **Кўп ўқиди, дўстлар, илмни топди, Илмдан беадад билимни топди, Илмдан илм ҳосил қилиб, ёронлар Неча илмсизнинг обрўйин ёпди.** Эргаш шоир. **Ишонч ҳосил қилмоқ қ. ишонч 1. Қаноат ҳосил қилмоқ** (ёки этмоқ) қ. қаноат 2.

**ҲОСИЛА** [а] 1 Бирор иш, амал, ҳаракат ёки нарсадан келиб чиққан, келтириб чиқарилган, ҳосил қилинган натижа. **Қиймат қонуни товар хўжалигининг ҳосиласи.**

2 мат. Дифференциал ҳисобда: функциянинг ўзгарши теълигини ифодаловчи асосий тушунча.

**ҲОСИЛДОР** [а+ф-т] Кўп ҳосил берадиган; серхосил, унумдор. **Ҳосилдор ерлар.** — **Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларига энас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом қолхозга ўтиши лозим эди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

**ҲОСИЛЛИ** Ҳосил берадиган; серҳосил, унумли. **Ҳосилли боғ, Юқори ҳосилли ер.**

**ҲОСИЛОТ** [а] 1 айн. ҳосил 1. **Йил ишладим бўлиб асир қоранда, Шимариб билак, кўзда ёш томчи.** Ҳосилотдан бермай қуварди мени, Бошларимга тушиб саноксиз қамчи. Ғайратий. **Ҳосилот совети** (ёки кенгаши) қолхозларда деҳқончилик ҳосилини ошириш тадбирларини амалга ошириш мақ-

садида тажрибакор деҳқонлардан тўзилган ҳайъат. **Қолхоз правлениеси Ўрмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси қилиб тайинлади.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 с. т. Қолхозда ҳосилот советининг раиси. У [Пирназар] узоқ йиллар қолхозда раҳбарлик ўринларида ишлаган; бригадир бўлган, ҳосилот бўлган, беш-олти йил раислик ҳам қилган. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

**ҲОСИЛОТХОНА** [а+ф-т] эск. Қолхозларда ерларнинг тупроқлари таркибини текшириш, ердан олинган ҳосил, ўсимлик намуналарини сақлаш учун қилинган лаборатория ва унинг биноси.

**ҲОСИЛСИЗ** Кўп ҳосил бермайдиган, камҳосил ёки умуман ҳосил бермайдиган. **Ҳосилсиз ер. Ҳосилсиз дарахт.**

**ҲОСИЯТ** [а] 1 Бирор нарса, иш йўл-йўриқ ва ш. к.нинг ижобий хислати; фойда, наф. **Бемаҳал юришининг ҳосияти йўқ.**

2 Ҳосият (хотин-қизлар исми).

**ҲОТАМ** [а] 1 айн. ҳотамтой У., вақти келса қаттиқ қўл, вақтида сахий, одамону ва хотам киши эди. Ғ. Ғулом, Қаҳрамонлар ўлмайди. || **Қатталиқни билмас бир яхши одам, Сахийликда йўлда қолибди хотам.** Фозил шоир.

2 Ҳотам (эркаклар исми).

**ҲОТАМЛИК** хотам с. белги оти, Унинг хотамлиги тўтиб кетди.

**ҲОТАМТОЙ** [а] Сахий, саховатли, олижаноб (Той шаҳрида яшаб ўтган Ҳотам номли афсонавий арабнинг исми-лақабида). **Ҳотамтой одам.**

**ҲОТАМТОЙЛИК** хотамтой с. белги оти. **Чархчининг .. хотамтойлиги қассобни гижинтирди, кўзлари олайиб кетди унинг.** А. Муқимов, Ғалати одамлар. У Миробиднинг топиш-тутишини, хотамтойлигини, тантилигини оғиз ўғиртириб мақтарди, В. Ғофуров, Вафодор.

**ҲОФИЗ** [а] Уста ашулачи. **Халқ ҳофизи.** — **Ногоҳ жимжит ва қизгин ҳавони янгартиб, ҳофизнинг таъсирли овози кўтарилди.** Ашуланинг куйи, айтувчининг тоза, жарангли овози Йўлчининг юрагига баҳор латофати каби тўкилди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Олим илми билан ҳурмат топур, ҳофиз хуш овози билан одамларнинг дилини хуш қилур, ҳунарманд эса кишиларнинг ҳожатини чиқарур.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ҲОФИЗА** [а] Инсоннинг бирор фикр, тушунча ёки хотирани мияда сақлаш қобилияти. **Сенинг ҳофизанг кучли.** — **Зокир ота ҳозир ҳам тетик ва бардам, ҳофизаси бақувват, гапи ва қиёфасидан кулеи аримайди.** М. Қодиров, Ҳажв, ханда ва қаҳқаҳа усталари. **Муқимий ҳофизаси яхши ва сермахсул шоирлардан эди.** С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ҲОФИЗЛИК** ҳофиз с. касб оти. **Ҳофизлик қилмоқ.**

**ҲОШИЯ** [а] 1 Нарсанинг, мас.,



газмолнинг ранги, гули, материали билан асосий қисмдан ажралиб турадиган чети, зиҳи. Бахмалнинг хошияси. Гиламнинг хошияси. — Ортиқжон дарҳол уни [дастримолини] олиб, хошиясидаги гулга текилиб қолди. Қ. Раҳим, Уз касбини севган йигит. Қамчи янги қизил тўн кийган. Хошиясига аллақандай живир-живир гул қақшланган бу тўн унинг наст бўйига, қотма гавдасига жуда ярашиб тушибди. Х. Фулом, Машғал. | Кийимга қадалган бошқа рангдаги энсиз жияк, лентга. Уларнинг кўзлари Пўлатжоннинг кўкрагидаги орден, медаллар, елкасидаги позон, енгисидаги ялтираган сариқ ва ҳаво ранг хошияларда эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Майна . . пулемёт ручкасини икки қўллаб маҳкам тутганича, комбатнинг чўккалаб бўй чўзиб турганини, унинг бошидаги қорақўл шапка устидаги қизил хошия душман ўқиға осон нишон бўлишини кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Чеккасиға қора хошия тутилган байроқ олдинда хомушлик билан силкиниб, хилтираб борарди. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Китоб ёки дафтarning атрофидаги хат ёзилмай очик қолдирилган қисми.

3 тар. Араб тили грамматикасидан мадраса талабалари учун тузилган қўлланма (лексик ва грамматик хусусиятларга доир изоҳлар мажмуи). Соҳиб ўғли . . мадрасада хошиягача ўқиган, янги усулда тағлим-тарбия курсини тугатган. «Қ. Ўзбекистон», 1925, № 91.

4 Хошия (хотин-қизлар исми).

**ХОШИЯЛАМОҚ** I Бирор нарсанинг четида хошия ҳосил этмоқ; хошия ажратмоқ. Галамини хошияламоқ. Дафтари хошияламоқ.

2 Бирор нарсанинг атрофига жияк, лента қадамоқ. Байроқни хошияламоқ.

**ХОШИЯЛАНМОҚ** хошияламоқ *фл.* ўзл. ва мажҳ. н. Гербнинг юқори қисмида, лентанинг тепасида, атрофи зарҳал билан хошияланган беши қиррали қизил юлдуз шакли бор. «ЎЗССР Конституцияси».

**ХОШИЯЛИ** Хошияси бор, хошия чиқарилган. Хошияли газмол. Хошияли дафтар. Хошияли байроқ. — *Оддий кўкракбурма ҳаво ранг батис кўйлакдаги, бошига яшил хошияли оқ шоҳи дурра тангиган . . Ойниса . . Хондайлик қишлоғидан.* Х. Фулом, Тошкентликлар. Пиёзи чакмонининг барини тақимиға қисиб, қора бахмал хошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шоҳига қараб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХОШО** [а] *эск. кт.* Худо сақласин, худо ҳақи; асло. Хошо, бу гапни мен айтганим йўқ. — *Талоқ хати ёзғувчи Отабек эмасми? — Хошо . . Отабек мундай гаплардан хабарсиз. Унинг отидан талоқ хати ёзан ҳам шу бадбахт Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХО-ХО** *айн.* *хо* I. [Жамила:] Мени олар эмиш. Хо-хо, мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ХУ** I *айн.* *хов* I. Ху, қорайиб кўринган нима? Ху, дарёда чўмилганларимиз эсинда борми? Ху анави кунги гап нима бўлди? — *Ху ана у ерга идора, клуб тушади. Мана бу тўқайнинг ўрни боғ бўлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Ху бир вақтда юборган ҳижолям энди чиқибди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХУ** II *унд. с.* Қағшиш, сўкиш ифодаловчи сўз-иборалар билан бирга қўлланиб қаҳр, ғазаб, нафрат маъносини ошириш учун хизмат қилади. Ху, ер ютсин сени! — *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норкўзига ўқтайди. — Ху, ўл, турқинг курсин!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Ху . . уйинг куйгур, шу қори Ибод-а? Ўғри, жиноятчи бўлиб чиқди-я?* Айний, Бухоро жаллодлари.

**ХУ** III *унд. с. дин.* Илоҳий кучга ёрдан сўра мурожаат қилганда айтиладиган нидо. Ҳасан, «ҳақ!» деб «ху!» деди, *Гиркўк отини чу деди.* «Равшан». Бу муҳжим, машғум базмега ҳалиги ялмоғи фолбиннинг хаста овоз билан вайсаши кўшилди: *Ё, султон! Ё шилтан! Ху, ху, ху!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХУ** IV *тақл. с.* Қумри, ғуррак каби қушларнинг сайраши ҳақида. *Мусича, ғурраклар ғуруллаб, ху тортиб, . . боққа оройиши бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди.* «Равшан».

**ХУБЎУЛМАЛИК** [а] *эск.* Бир нав сурғи дори (эски табобатда қўлланилган).

**ХУВ** I *айн.* *хов* I. Хув анави катта иморат олдида автобуслар тўхтайдди. — *Хув оқ ерни қирқ йил эдим дахякка.* Ғ. Фулом. *Хув ана икки нақир, Қани дарров олингиз.* К. Муҳаммадий.

**ХУВ** II *унд. с. I айн.* ху II. Хув кўзингни ел есин, бир даста парингни Еқут опандан аясанми, буларни мен ёвга олиб бораманми. Ғ. Фулом, Соялар.

2 (одатда хотин-қизлар нутқида) Қимсанинг чақирғига жавоб сифатида қўлланади. — *Салимаҳон, ҳо Салимаҳон! — Хув, келаверинг.*

**ХУВ** III *айн.* ху III. Назари чўлга тушиди, *Хув дея йўлга тушиди.* Х. Олимжон. *Қорахон подшо . . пайти саҳар, хув деб шаҳардан чиқиб кетди.* «Эрали билан Шерали».

**ХУВ** IV: хув этмоқ *айн.* хувилламоқ II. — *У кетди-ю, уйимиз хув этиб бўшади-қолди, кўнглимизга ғам-ҳижрон чўқди, — деди Зумрад ўртоғига.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУВАЙДО** [ф-т] I *кт.* Аниқ кўриниб турадиган; аниқ; равшан. Сени, болалигим, мен, кўрдим боя Баҳордийдориди равшан хувайдо. Миртемир.

2 Хувайдо (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

**ХУВИЛАМОҚ** I Майин овоз чиқа-

риб эсмоқ (совуқ шамол, изғирин ҳақида). — *Мана бу — севги! — деди ўзича Элмурод ва қалбиди шамол хувиллагандай бўлди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ХУВИЛАМОҚ** II Қимсасиз қолмоқ, бўшаб қолмоқ. У [Самандаров] кетгандан кейин, худди бутун ҳовлини тўлдириб хандон-хушон суҳбат қилиб ўтирган бир талай меҳмон бирдан чиқиб кетгандай, ҳовли хувиллаб қолди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Хури хола ўғлини кўча эшиккача кузатиб чиқди. Шундай пайтда ёлғизлиги биллинди. Тўрт томони баланд девор, кенг ҳовли хувиллаб турибди. С. Анорбоев, Оқсой. *Ички-ташқи ҳовлили шундай катта эшикда икковимиз хувиллаб ўтирсак, еганим татийдимми?* М. Исмонлий, Фарғона т. о. | *Кўзга совуқ, хунук, харобдай кўринмоқ. Ўзоқда тўпларнинг вазмин гумбури.* Қишлоқ қандайдир хувиллаган, ваҳимали. Ойбек, Куёш қораймас. *Майна билан Абдуваҳоб станцияга етиб келишди, ҳамма ёқ хувиллаган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Урушнинг шум сояси бу ерга ҳам етибди. Қишлоқ хувиллаб қопти.* Н. Сафаров, Уйғониш.

**ХУВИЛАМОҚ** хувилламоқ II *фл.* орт. н. Бувиси бўлса, буларниқанда бир ҳафта аза тутди-ю, уйни хувиллатиб, қариндошлар қатори жўнаб қолди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ХУВ-ХУВ** I хув III *с. такр.* Қалан-дарлар анчагина йиғилиб қолган халошиқнинг олдида саф бойладилар . . . Ҳаммалари узун-қисқа ҳассаларига суяниб, «хув-хув» деб тебраниб турар эдилар. Ғ. Фулом, Шум бола.

**ХУВ-ХУВ** II ху I *с. такр.* Ҳатто қушлар эмас хушчақчақ, — *Матюсеина сайралар: — Хув-хув!* Т. Фаттоҳ.

**ХУВХУВЛАМОҚ** «Хув-хув» деган овоз чиқариб сайрамоқ (қумри, ғуррак каби қушлар ҳақида).

**ХУДА-БЕХУДА** [ф-т], *худа-беҳуда* Бекордан-бекор, ўринсиз; ўз-ўзиндан. *Худа-беҳуда кулаверма!* — *Энди, болам, худа-беҳудада ўзингни койитми. Урнингни солиб чўзила қол, — деди кампир.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. [Фармонов] ўзини қандай туттишини билмайди, *худа-беҳудада жаҳли чиқади.* А. Мухтор, Чанор.

**ХУДАЙЧИ** тар. Хон ва амирнинг хузурига иш ва арз билан келганлар ҳақида хон, амирга хабар берувчи ва хон, амирнинг жавобини уларга етказувчи амалдор. *Анвар, ҳудайчи учун ажратган аризаларни қўлига олиб ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қорахон подшонинг амри билан икки ҳудайчи, салом оғаси келиб. . . Равшанхонга қараб бир сўз айтди.* «Равшан».

**ХУДУД** [а] *кт.* Чегара, ҳад. — *Кўпчилиги Ҳиндистон ҳудудидан олдинган ўттиз миңг афгон ғозимз пошшо ҳазратларининг руҳсатларини кутиб турипти, — деди Латиф.* Айний, Дохунда. — *Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони деди*

обод бўлган ернинг худудида турардик,— деди автор. С. Ахмад, Чўл бургути.

**ХУДУДСИЗ** кт. Чегарасиз, жуда кенг, поёнсиз. *Бектемир ҳозир ўзини бутун борлиги билан ўз қишлоғида, кенг дала, худудсиз қирларда кўрарди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**ХУДХУД** [ф-т] диал. Попишак. *Нурга чўмган бир водийда кенгаш қуриб ўтирган тўти, худхуд, қумри, товус, булбул, лочин ва бошқа паррандалар Семурғ қушини ўзларига бошлиқ қилиб олишига ҳарор қилиб, уни топиб келтириши учун парвоз қиладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ХУЖАЙРА** [а] биол. Тирик организмнинг қобиқ протоплазма ва ядродан иборат энг содда ва майда қисми. *Тери устини қоплаган хужайралар секин-секин ҳалок бўлади.* Н. Исмоилов, Қасалларни парварши қилиш. *Шунингдек таннинг хужайралардан тузилишини, нафас олганда бурундан қандай газ кириб, қандай газ чиқишини табиёт ўқитувчиси ўргатмаса, домла ўргата олармиди?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУЖАЙРАВИЙ** [а] Хужайраларга хос, хужайралардан таркиб топган. *Организмларнинг хужайравий тузилиши.*

**ХУЖАЙРАЛАРАРО** Хужайралар орасидаги. *Хужайралараро моддалар.*

**ХУЖАЙРАЛИ** Хужайраси бор, хужайралардан иборат. *Бир хужайрали микроблар. Кўп хужайрали организмлар.*

**ХУЖЖАТ** [а] 1 Қимсаннинг кимлигини, машғулотини, бирор ташкилотга аъзолигини тасдиқловчи иш қоғози (паспорт, гувоҳнома, студентлик билети, аъзолик билети ва ш. к.). *Хужжат бермоқ. Хужжатини кўрсатмоқ. Эр-хотин бўлганлик ҳақидаги хужжат.*

— *Кекса милиционер йиғитлардан хужжатларини кўрсатишни талаб қилди.* Ойбек, Кўёш қораймас. | Кимсаннинг бирор нарсага ҳақи борлигини, ҳуқуқини тасдиқловчи иш қоғози. *Шахсий автомобиль хужжати. Ҳовли хужжати.*

— *Сиз, бойвачча,— Азмиддин Зиёдиллага тикилди,— Қумқишлоққа ишга борасиз. Мен хужжат ёзиб берман.* Х. Ғулом, Машғал, *Хукумат ўзимизга ўтиб, князь қочгандан кейин, Танерикўл зожи водокчаларга даъвогар бўлпти: «Князь водокчаларни менга сотиб кетди» деб, хужжат кўрсатипти.* А. Қаххор, Кўшчинор. | Нарсанing нималигини, миқдорини, сифатини ва ш. к.ни кўрсатувчи расмийлаштирилган иш қоғози. *Маҳсулотни хужжат асосида қабул қилмоқ. Посилка хужжати. Мактаб ремонтига кетган ашё ва пулларнинг хужжатлари.* — *Ботирали йўлда жон берди, деб тузилган хужжатга мен ҳам бармоқ босганман.* Х. Ғулом, Машғал.

2 Илмий, ижтимоий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ёзувлар, суратлар, асар ёки адабиётлар. *Орхун-*

*-Енисей ёзувлари энг қимматли тарихий хужжатлардир.*

**ХУЖЖАТЛАМОҚ** Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги фикрни ёзиб, хужжат ҳолига келтирмоқ, расмийлаштирмоқ. *Тўғри, бой отам мол-мулкни хужжатлаб беришдан бош тортмайдан кейин, Салим ғазабланди, болалик қилиб вакиллади.* Ойбек, Кўтлуғ қон. | Бирор фикрни хужжат-далиллар билан исботламоқ.

**ХУЖЖАТЛИ** 1 Хужжати бор, хужжатга эга бўлган. *Хужжатли шахсий автомобиль. Хужжатли ҳовли.*

2 Маълум хужжатларга асосланган; воқеий. *Хужжатли фильм.*

**ХУЖРА** [а] 1 Киши яшайдиган кичкина хона, уйча. *Рағно шу сўзни айтиб, орқасига қайта берди, зийкни боягича ёпиб хужрадан йироқлашди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Улар кўча зийги олдида хайрлашдилар. Давлатёр қайтди. Элмурод чий тўсиқлик айвон олдидан аста одимлаб, ўз хужрасига ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 тар. Мадраса, қорихона ва масжидда шоғирдлар, домулалар яшаши учун ажратилган кичик хоналар. *Бу хужраларнинг кўпчилиги бир зийкли ва олди равоқли бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зий ҳам ўша бир зийкдан кирарди.* Айний, Эсдалиқлар. *Юсуфбек ҳожи билан қутидор Солиҳбек охундине Кўкалдош хужрасига меҳмон бўлиб кетганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХУЖУМ** [а] 1 Ҳаракат билан кимса ёки нарса устига ташланиш; ҳамла. *Қароқчиларнинг хужуми. Бўри хужуми. Қуролли хужум. Илқинчи таймда «Пахтакор» футболчилари хужумни кучайтирдилар.* — *Унинг рақибни шохни хужумдан мудофаа қилиши учун узоқ ўйлашиб қолди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Аёллар тош ва ғишт парчаларини кўтариб, зийк ва дерзаларга хужум қила кетди.* Ойбек, Кўтлуғ қон. *Шундай эди қора ўтмиш, Инсон ожиз, инсон қула, Хужум қилар эди қумлар. Чекинарди одамзод. Уйғун.*

2 Бирор территорияни қўлга киритиш учун уни мудофаа қилиб турган душман устига катта ҳарбий куч билан ташланиш; атака. *Душман хужумини қайтармоқ. Хужумга ўтмоқ.*

— *Душман ҳеч қандай артиллерия тайёрлигисиз хужумга ўтган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Полк командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши хужумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

3 *Кўчма* Танбех, ҳақорат қилиш, сўкиш ва ш. к. билан кимсага ташланиш, ҳамла. *Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатиқ билан хужум бошлайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отинийи кейинги байталарда насихатғўйликдан хужумга ўтди. Золимларни жаллодликка даъват қилувчи бир ғазали жўр қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *Кўчма* Бирор катта иш ёки тадбирни амалга оширишга қаратилган умум-халқ ҳаракати. *Саводсизликка қарши хужум. Паранжига қарши хужум. Чўлга қарши хужум бошламоқ.* — *Тўхтамас ўлканинг хужум наъраси. Тўрт миллион тоннадир янги марраси.* А. Пўлат.

**ХУЖУМКОР** [а+ф-т] 1 Хужум қилувчи; хужумчи. *Хужумкор ҳарбий қисмлар.*

2 ай. тажовузкор. **ХУЖУМКОРОНА** [а+ф-т] рөш *Худди хужум вақтидагидек, жадаллик билан. Бригадининг ишчилари эса хужумкорона бор тусда борарди.* Ш. Ғуломов, Дала файзи.

**ХУЖУМЧИ** 1 ҳарб. Душман устига бостириб борувчи, хужум қилувчи. *Хужумчи танкчилар. Хужумчи учувчилар.*

2 спорт. Асосий вазифаси рақиб дарвозасига тўп ёки шайбани киритишдан иборат бўлган ўйинчи. *Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб тўп тепишарди. Улар тарарфа-тарарф бўлиб олишган, икки томоннинг дарвозабони, хужумчию ҳимоячилари бор.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ХУЗУН** [а] Ғам, қайғу. *Унинг [Қумушини] кўзларида доимий бир маъносият, аримас бир ҳузун, ҳар онда бир энтикиб чайқалиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўқ ҳузун юракларда, Ортада қолди бир замон тортган оҳларинг.* Миртемир.

**ХУЗУНЛИ** Ғамли, қайғули. *Ўзбек қизларининг юрак дардлари Нақадар ҳузунли бу етти ҳарфда! Х. Расул.*

**ХУЗУР** I [а] Роҳат, фароғат, ором; осойиш, тинчлик. *У фақат ўз ҳузурини кўзлайди. Ҳар меҳнатнинг бир ҳузур бўлади. Ҳаракатнинг эрта бўлса, кунда эрта ўрарсан. Меҳнатнинг ҳалол қилсан, ҳузурини кўрарсан.* Мақол. — *Езда тоғ-тоғ ўтин тайёрлайсиз, ҳузурини хўжайинлар кўради.* Ойбек, Кўтлуғ қон. *Салқинидан покиза танлар Тўйиб-тўйиб ҳузур қилади.* Х. Садох. — *Генерал Элмуродни ўз ҳузурига таклиф этди ва унинг фазилатларини айтиб, мақтади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ХУЗУР II** [а] Бирор кимса ёки нарса қошида бўлиш; қатнашиш; ташриф. *Мен сизнинг ҳузурингизга келдим. У мени ўз ҳузурига чақирди. Мактаб ҳузурда ёзги пионерлар лагери бор.*

**ХУЗУРБАХШ** [а+ф-т] Роҳат, фароғат, ором бағишлайдиган; ғоят ёқимли. *Хузурбахш салқин жой. Хузурбахш тоғ ҳавоси. Хузурбахш шабада.*

**ХУЗУРИДАГИ** Бирор кимса ёки нарсанинг қошида, ёнида ёки қарамоғида бўлган; бирор кимса ёки нарсага қарашли. *Институт ҳузурдаги кутубхона.*

**ХУЗУРЛАНМОҚ** Ором олмоқ, маза қилмоқ, завқланмоқ, роҳатланмоқ. *Кўчон дарвозасига тўйлан халқ Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишига ҳузурланиб томоша қилар эди.*

А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Каримжон . . азбаройи хузурланганидан қоронғиликда ўз-ўзига жимлайиб қўяди. О. Ёқубов, Қахрамон излаб.

**ХУЗУРЛАНТИРМОҚ** **хузурланмоқ** фл. орт. н. Турапгулга қолса-ку, кўзни завқандирадиан, юракни хузурлантирадиган кенг дала бағридан кетгиси йўқ эди-ку, бироқ начора, топшириқ, бажармаса бўлмайди. Ф. Усмонова, Она қалби.

**ХУЗУР-ХАЛОВАТ** Хузур ва халоват, роҳат ва фароғат, ором. Антонина ўз хузур-халоватини кўзламай, болаларнинг гап-тавишини билан яшайди. Ф. Хўжаев, Онадек меҳрибон. Шундай қилиб, раис хузур-халоватда яшайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ХУЙТ** 1 унд. с. Қушларни чўчитиш, ҳайдаш учун қўлланади.

2 тақл. с. Сабва, булбул каби қушларнинг сайраши ҳақида.

**ХУЙТХУЙТЛАМОҚ** «Хуйт-хуйт» деган овоз чиқариб сайрамоқ. Чол боши билан булбул хуйтхуйтлаётган томонни ишора қилиб давом этди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУЙЯ:** хуйя-хуй чақалоқни юпатиш, аллалаш учун қўлланади. Хуйя, улум, хуйя-хуй; Жоним улум, хуйя-хуй. «Фольклор».

**ХУКАМО** [а] 1 Ҳакимлар, табиблар. Қазо етганда, барча хукамо ожиз қолдиларким, одам тангри хоҳиши билан бўлган қазога қарши нима қила олади? Ойбек, Навоий.

2 Донишмандлар, файласуфлар. [Хусайн Бойқаро:] Аммо фалакнинг чархи айланиб турадур дейдилар хукамолар. М. Осим, Сехрли сўз.

**ХУКМ** [а] 1 юр. Суднинг бирор жинсий иш юзасидан чиқарган қатъий қарори. Ижобий ҳукм. Салбий ҳукм. Қатъий ҳукм. Қозининг ҳукми. Хукмин ижро этмоқ. — Сидиқжон суднинг ҳукмидан жуда хурсанд бўлди-ю, лекин, Шарофатнинг шикоят қила олиши ҳукуқидан хавотирга тушди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Обиджон ака област судида кўрилган ажрим ва ҳукмларни кўздан кечириб ўтирарди. Э. Исроилов, Қонун ва қалб. Солдилар шол бўйнига, Қунда оёққа. Шу йўсин ҳукм этдилар, Қирқ кун қамоққа. Ғайратий. **Хукм мажлиси** суднинг яқунловчи охириг мажлиси. — Хукм мажлисида бўлмаслигимни уҳдангизга олмайсизми? — Уҳдага олмақ қийин, — бош чайқади кўрбоши. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Хукм хати** с. т. хукмнома. Қўлимизда подшонинг ҳукм хати. «Эрали ва Шерали».

2 Бирор масала ҳақидаги аниқ фикр, хулоса. Бу борада қандай ҳукмга келдингиз? — Баротнинг ҳаққоний сўзи, ҳукми мингошини ерга киргизиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Бир нарсага олдиндан ҳукм этиши тўғри эмас, Абдушукр, — салмоқлаб деди Мирзақаримбой, — ҳар бир иш оллонинг буйруғи билан бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон. — Бу ҳам ўшалардан бўлса керак, — ҳукм қилди ўзича чол.

Х. Гулом, Машғал. [Бировнинг] хукмига топширмоқ (ёки ташламоқ) масалани муҳокама қилиб ҳал этишни бирор кимсга ҳавола этмоқ. Эргаи соттининг бурунги кирдикорларини кўпчилик ҳукмига ташламоқчи бўлса ҳам, гапни нимадан бошлашни билмай ўйланиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кўчма Буйруқ, амр. Сенинг ҳукминг ўтмайди. — Шу кемачи, қўрқиб бўзариб, Деди Омон ёнига бориб: — Дарё теран, тавв етмайди, Сувга, ўғлим, ҳукм кетмайди. Э. Раҳим. Дин ва олтин ҳукми-ла, Кўп уй бузилди. Ҳисобсиз маъсум бошлар Тандан узилди. Ғайратий. | Ихтиёр, изм. У [Сидиқжон] ҳозир жувоннинг ҳукмида бўлиб, унинг хоҳишига қарши ҳеч нарса деёлмас эди. — Нима десангиз шу-да, қоламиз, — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Хукм сурмоқ** 1) ўз ҳукмини ўтказмоқ, хукмронлик қилмоқ; 2) кўчма ҳокимлик қилмоқ, чулғаб олмоқ, эгалламоқ. Бир лаҳза даҳшатли жимлик ҳукм сурди. Кейин онасининг йиғлагани, . . отасининг йўтали зийтилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Хукмини ўтказмоқ** ўз айтганини қилдирмоқ, ўз амрига итоат эттирмоқ, ўзига бўйсундирмоқ.

4 эск. айн. кесим 3.

**ХУКМДОР** [а+ф+т] тар. Бирор территория ёки мамлакатнинг ҳуқуқи чеklangмаган ҳокими; хон, подшо. Сўғд мамлакатининг хукмдори. Қабила хукмдорининг мақбараси. — Жаллод айтар: «Амр қилди хукмдор Булар учун тикландир тилла дор». «Эрали ва Шерали».

**ХУКМДОРЛИК** хукмдор с. белги оти. Хукмдорлик қилмоқ.

**ХУКМИКУШ** [а+ф+т] Ўлим жазосига ҳукм қилиш; ўлим ҳукми. Арзизиз шулки, буюн хукмикушга буюрган одам жуда ёш бола экан. «Равшан».

**ХУКМНОМА** [а+ф+т] Суднинг ҳукми ёзилган қоғоз; суд ҳукми. Ниёз қушибеги менга йигит қўйиб, бу хукмномани ижро қилишида бека ердан бермак учун жўнатди! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ХУКМРОН** [а+ф+т] 1 Ўз ҳукмини ўтказадиган; хукмдор, ҳоким. Хукмрон партия. Хукмрон синф. — [Худоёр] астойдил Мусулмонқулнинг оталиғидан қутулишни ва мустақил равишда хукмрон бўлишни орзу этган. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Хукмронликни ифодаловчи.— Ойношиа, бу ёққа кел! — деди Мамасаид. Отанинг оиладаги хукмрон товуши қизнинг қўрқоқ юрагига даҳшат солди. У терак япроғидай қалтирарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Бошқалардан устун турадиган, муҳим ўрин эгаллаган; энг аҳамиятли. ЎзССРда хўжаликнинг хукмрон шакли бўлган социалистик системаси билан бирга, қонун якка деҳқонлар, чорвадорлар ва кустарларнинг ўзи меҳнат қиладиган ва бошқаларнинг меҳнатини эксплуатация қилмайдиган

майда хусусий хўжалигига ҳам йўл қўяди. «ЎзССР Конституцияси». || Парадни жанг майдонларининг хукмрони — совет пидда қисмлари бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Бошқалардан кўра кўпроқ сезилиб турадиган; устун. У ётан хонада ҳаммиша гап, сўз, суҳбат хукмрон эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жимлик хукмрон бўлиб турган бир пайтда қудратли «ура!» овози инграб кетди. Н. Сафаров, Соҳиб чангал. Хукмрон бўлди унда Қонли қамчи билан дор. Найзаларга илинган Гўдаклар йўлимга зор. Ғайратий.

**ХУКМРОНЛИК** хукмрон с. маъот. Хукмронлик қилмоқ. — Манғитларнинг улғ салтанати, бобо ва бо-бокалонларнинг Бухорода хукмронлигига икки-уч йил бўлди. Ф. Расул, Адолат. Қайнатанинг бутун вужуди хукмронлик ва баджаҳлик билан тўлиб-тошган эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. 1916 йил охири, ўлка хароб, очарчилик хукмронлик қилмоқда. Ж. Камолов, Жиддий сновлар.

**ХУКМФАРМО** [а+ф+т] эск. кт. айн. хукмдор.

**ХУКУМАТ** [а] 1 Давлат ҳокимиятининг марказий органлари мажмуи, мамлакатда давлатни бевосита бошқариб турувчи, фармон берувчи ва ижро этувчи олий орган. Инқилобий ҳукумат. Совет ҳукумати. Ўзбекистон ҳукумати. Буржуа ҳукумати. Хукумат аъзоси. Хукумат муассасалари. — СССР Олий Совети иккала палатанинг кўйма мажлисида СССР Хукуматини — СССР Министрлар Советини тузади. «СССР Конституцияси». Дин халқ учун афъюн бўлгани ҳолда нима учун ер юзидаги ҳамма хукуматлар, айниқса Англиядек мамлакатларнинг хукуматлари динга қарши ташиқот юргизмайди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 с. т. Давлат, ҳокимият. Узоқламай Нормухаммад қушбегия Қўқондан бош тоблаб, ўз олдига мустақил хукумат эълон қилган бўлди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ХУКУМАТДОР** [а+ф+т] Хукумат марказий органларидан бирининг бошлиғи, юқори мансабли амаддор. Абдураҳмон . . айниқса, орада хонга тегишли хукуматдор беклардан кўришиб қолса, жаннат ва жаҳаннам устидаги масалани дарҳол хонга итоат, бекларга ҳурмат билан айрибошлаб олар эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**ХУЛКАР** 1 айн. сурайё 1. Хулқарга боқиб, Қўратойниқига боришга ҳали вақт эрта эканини билди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шимол томондан кўтарилган Хулқар кўзни қамаштириб, порлаб туради. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 Хулқар (хотин-қизлар исми). **ХУЛЛА** [а] Нозик ва нафис матодан тикилган кийим. Хуллага ўралган кекса ўрмонлар, Нечун инграшади, қандай мунги бор? Миртемир.

**ХУМО** [ф-т] Кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, у киши энг бахтли бўлади, деб эътиқод қилинган афсонавий қуш, «давлат қуши». Хумо қуши қўнган бошинда, Учиб юрди фалокат қушлар. Жихоз тўла санъат уйдан Уғирланди олтин, кумушлар. Т. Тўла.

**ХУМОЮН** [ф-т] эск. кт. I «Буюк подшоларга хос», «олий даражадаги», «энг муқаддас» каби маъноларни билдиради. Фармони хумоюн. Зоти хумоюн. — Мен жаноби олийнинг хумоюн хузурларига бориб ишорат билан бу масалани арз қиламан. Айний, Бухоро жаллодлари.— Қани, омин амирал-мўъмининг давлати хумоюнлари кам бўлмасин, ғанимлари хокпой бўлсин.— деган овоздан сўнг ҳамма қўлини фотиҳага қўтарди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 айн. хумо. Жонивор, Қўнғирот элдан келдингми? Хумоюндай менга соя солдингми? «Алпомиш». Хумоюн овлайди шошма мерганлар. Ғ. Ғулом.— Қаердаги масалаларни қўзғайсиз, мухтарам базоз, читтакми, хумоюнми? — илжайди аълам. Ойбек, Улуғ йўл.

3 Хумоюн (эркаклар исми).

**ХУНАР** [ф-т] I Кишининг муайян тайёргарлик талаб қиладиган, тирикчилигининг асосий манбан ҳисобланган машғулоти; касб. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз хунар. Мақол. Йигит кишига етмиш хунар оз. Мақол. — Онам — ўқитувчи, Бир хунари — тўқувчи, Мен-чи аъло ўқувчи, Мен бахтиёр пионер. Қ. Муҳаммадий. Йигитнинг қўлида гулдай хунари бор. Ойбек, Қутлуғ қон. Отасининг хунарини яхши эгаллаб олган бу йигитча учун қишлоқда иш кўп эди. С. Аҳмад, Хукм. Серёжа Астахов ва Влада Березной уруш бошланмасдан илари темир йўл хунар мактабда ўқир эди. А. Раҳмат, Соқов бола.

2 Усталик, санъат, маҳорат. Мақтанма ғоз — хунаринг оз. Мақол. — Аммо одамни иши танитади. Бўзчининг хунари тўққан бўзида кўрилади. Ойбек, Навойй. Мунча ҳам бежирим қўл хунарингиз . . . Ҳар қатим, ҳар чокда катта маҳорат. Ғайратий.— Ҳазилми? Чекинми учун ҳам хунар керак . . . бу ҳам санъат талаб қилади,— деди Дубов захарханда билан. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 кўчма Бирор ноқулай ҳолатдан қутулиш учун қўлланиладиган чора, айёрлик; хийла, макр. Бу муттаҳамнинг хунари ҳали кўп. — Жаноби олий ва дарбар аҳллариининг минг хунарлари бор. Айний, Бухоро жаллодлари. Хунар ишлатмоқ I) ўз санъат, маҳоратини намойиш қилмоқ. Али бор овози ила ҳамма хунарини ишлатиб, ғазал тусагунча ашулани айтиб борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма бирор қийинчилик, оғир вазиятдан қутулиш учун хийла ишлатмоқ, айёрлик қилмоқ. У бир хунар ишлатиб жазодан қутулиб қолди.

4 с. т. кўчма Келишмаган хатти-ҳаракат, одат, қилиқ, феъл. Унинг бунақа хунари йўқ эди. — Қесатиқ хунаринг асиндан чиқдими, деб турган эдим. Ҳар нечук ёдингда экан. А. Қодирий, Мехрбодан чаён. Хунар кўрсатмоқ I) бирор ишга бўлган қобилиятини, маҳоратини намойиш қилмоқ. Гулсум ўз хунарини кўрсатиш учун, фақат ана шундай таъсирли бир гапни кутиб турган экан, холос. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма кишига ёқмайдиган иш, қилиқ қилмоқ. Битта эрка қўзим, нима хунар кўрсатди-ю, булардан нима хузур кўрардим! Р. Раҳмонов, Мехр кўзда.

**ХУНАРЛИ** Хунари бор, хунар ўрганган; уста, моҳир. Хунарли қўл оч қолмас. Мақол. — Лекин ўзлари тўрт оға-ини эдилар, тўртови ҳам кал эди, бариси ҳам хунарли эди. «Равшан».

**ХУНАРМАНД** [ф-т] I Уйда ёки ўз дўконда бирор маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касиб. Капиталистик саноат тараққиётида Францияда ҳам деҳқонлар билан хунармандр орасида табақаланиш зўрайди. «Диалектик материализм масалалари». | Бирор хунарни яхши эгаллаган; уста. Йигилди шаҳр аро сонсиз хунарманд, Бари ўз касбида бемислу монанд. Ҳабибий.

2 кўчма Бир ишни тез ва осон уддалай оладиган, тadbиркор, ўз ишига жуда уста. «Васъ» деганда бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қома-ти одамларнинг кўз олдига келиб туради.— Кўп хунарманд йигит экан, азамат! — дейдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУНАРМАНДЛИК хунарманд** I с. белги оти. Арабжоннинг хунармандлиги оғиздан-оғизга кўнди. Ганчдан ажойиб нусхалар ишланган айвону пештоқларни кўрган маҳалладаги хотинлар кира бошлади. С. Зуннунова, Излар.

**ХУНАРМАНДЧИЛИК хунарманд** I с. касб оти. Хунармандчилик кооперацияси.

**ХУНАРСИЗ** Бирор хунарни эгалламаган, хунари йўқ. Дошишманд унга: «хунарсиз кишининг қўли боғлиқ» депти. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳар хунарнинг бир гашти бор, Хунарсизнинг не гашти бор? Қ. Муҳаммадий.

**ХҲР** I [а] Бировнинг измидан холи, эрки ўзида бўлган; озод, эркин. Совет Иттифоқининг ҳур граждандлари. Хур мамлакат. Хур фикрли шоир. — Яшна, эй, ҳаётбахш музаффар байроқ! Яшна, ҳур, қудратли улуғ иттифоқ! Т. Тўла.

**ХҲР** II [а] I Мусулмон мифологиясига кўра жаннатдаги гўзал қиз. Масжидда намозишоман кейин имом намозхонларни тўйлаб, жаннатдаги хурларнинг ҳуснини мақтай кетди. «Лати-фалар». Беҳиштдаги хурдай бўлиб, Билмам ёрим қайса кетди. «Ширин билан Шакар». Зари зарбоб либос ки-

йиб, ҳамма қизлар бирдай бўлиб, Қанилар ҳам хурдай бўлиб. «Ширин билан Шакар». [Умурзоқ:] Бедаво ўғлига хурдек қизимни бераман. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 кўчма Жуда чиройли, гўзал, нозанин қиз. [Мажиддин:] . . . Ҳазинангизни бойтаман, ҳарамингизни хурлар билан тўлдиранам, сўнгра майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирман. Уйғун ва И. Султон, Навойй. || Хуш келибсан, азиз пахтакор! Кумуш далаларнинг хур қизи, Зумрад водийларнинг юлдузи. Уйғун. | Шарм-хаёли, пок (хотин-қизлар ҳақида). Мана икковларинг, худого шукр, қоғозга ўралган қанддай топ-тоза бўлиб етишдинглар. Қўзларинг эркак бетини кўрмади. Сизлар хур қиз экансизлар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ХУРИЛИҚО** [а] Хур каби гўзал, чиройли. Назаримда, йигирма-йигирма беш ёилар ўртасида кўзингизга чўтир ҳам соҳибжамол — хуриликко бўлиб кўринадил шекилли-да! Шухрат, Шинелли йиллар. Майнагинамининг қайси хуриликқодан камлиги бор. Болагинамни кийим гариб қилиб турибди холос. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ХУРИШМОҚ хурмоқ** фл. бирг. н. Қишлоқ кўчалари жимжит, фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар хуришади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХҲРКАҒИЧ** айн. хурковуч. Қийик боласидай хуркағич, зийрак — Ешлигини қумсаб, орзиқар юрак. С. Акбарий.

**ХҲРКАК** Хуркадиган, чўчийдиган. Хуркак қўй. — — Ия! — деди ичида Бадалишо ажабланиб.— Қийикдай хуркак экан-ку! Ёки паримкан? С. Анорбоев, Оқсой. || Қомилининг юраги ҳаприқиб кетди, унинг сиридан ҳамма воқиф бўлаётгандай, тевааракка хуркак қаради. Ойбек, О. в. шабадалар. | Қўрқиб, чўчиш ёки қўрқув ифодалайдиган. Дилдор . . . орқада иштирлаган товуш эшитди-да, бирдан бошини кўтариб хуркак боқиш билан қаради. Ойбек, Навойй. Ҳанифанинг хуркак кўзларида қувонч лип этиб ёндию, унинг ўрнини яна иккиланиш, тавиши эгаллади. С. Анорбоев, Мехр.— Дилора,— деди у, хуркак товуш билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХҲРКИНМОҚ хурмоқ** фл. ўзл. н. [Отабек] иссиқ бир нарса баданига тегиб кетгандек хуркиниб қўйди ва «ниҳоят», «эндими?» дегандек қилиб энтикди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ХҲРКИТМОҚ хурмоқ** фл. орт. н. У иштаҳа билан ўтлаётган қўйларни хуркитмаслик учун аста-аста қандам ташлаб, сурукни айлана бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.— Сиз.. . полидаги кўриқчидай ҳотинларни хурки-таяпсиз,— деди Жўраҳон. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХҲРҚМОҚ** Чўчиб кетмоқ, чўчимок; қўрқмоқ. Гулнор намли кузлари билан Йўлигиза тикилиб, бир нимадан хурк-

кан сингари, яна унга суқилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Роҳила овчидан хурккан какликдек пилдираб келиб, боласини яслига қўйди-ю, кўчага чиқди. А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

◆ Савлатидан от хуркади ўзига жуда зеб берган; серсавлат.

**ХУРҚОВУЧ** Хар нарсадан хурка-верадиған, чўчийдиған; хуркак, қўрқоқ.— Мен . . домланинг нима нијатда эканлигини тушунмасдан, хурқовуч кийикдек оёғимни бир ерга гўж қилиб, қочишга ҳозирланган. оғзимни бўлса додлашга жуфтлаган эдим,— деди Шум бола. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ХУРЛИК** 1 Ҳул 1 с. мавҳ. от. Қулликни сезмаган, хурлик қадрига ета олурму?! Ҳамза. Энди унинг [Элмуроднинг] вуҷуди хурлик ва озодликни тўла ҳис этар экан, у аламларини нафрат билан гапиргиси келади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор соҳада эркин ҳаракат қилиш имконияти, ҳуқуқи; эркинлик. Матбуот хурлиги. — На зулмат, на бўрон, на офат, на ўт Тусолмас ҳақиқат, хурлик йўлини. Уйғун.

**ХУРМАТ** 1 Кимса ёки нарса қимматини тушуниб, уни қадрлаш, улуглаш, эъозлаш туйғуси; эъоз, эҳтиром. Ўз касбига бўлган хурмат. Ватанга хурмат. Каттага хурматда, кичикка иззатда бўл. Мақол. — Йўли учун Петров ёлғиз фикрлари билангина эмас, бутун ҳаёти ва кураши билан муаллим бўлди, унга чуқур хурмат ва севги билан қаради. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Гулсул] кенг доирани гир айланиб, ўзига тикилган кўзларнинг хурматига мафтун бўлиб ййнар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.— Мени ҳамма . . иш кўзини билади, уздабурон деб хурмат қилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Меҳнатга хурмат ахлоқнинг энг юксак дастурларидан биридир. Ойбек, Нур қидириб. Сен демак меҳри-шафқат, тоза муҳаббат, Юксак вафо мазмунинг, дўстлик ва уфат, Эй, улуг совет юрти, қалбимдан хурмат! Ғайратий. Офтоб ойм билан Кумуш унинг [Ўзбек олимнинг] хурматига ўринларидан турдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Раиснинг хурмати учун биров кулиб, биров қийинчилик билан ўзини кулгидан тўхташиб қолди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Обрў, эътибор. Кишининг хурмати ўз қўлида. Мақол. Ёшларнинг хурмати — қарз, қарининг хурмати — фарз. Мақол. — Эркин холати мақтар: — Холам кафеври мойда, Холам чехраси ойдай, Холам хизмати катта, Шунинг учун хурматда! Қ. Муҳаммадий.

3 Хурмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

◆ Хурмат тахтаси ишлаб чиқариш илғорларининг номлари ва суратлари намойиш қилинадиган махсус тахта.

**ХУРМАТАН** [а] рвиш Хурмат юзасидан, хурматлаб.

**ХУРМАТЛАМОҚ** Хурмат қилмоқ, эъозламоқ. Созандаларни, устозла-

рингизни қадрланг, хурматланг. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ХУРМАТЛАНМОҚ** хурматламоқ фл. мажҳ. н. Хурматланган киши.

**ХУРМАТЛАШ** хурматламоқ фл. иш оти.— Сен билан бизни дунёга келтирган аёлларни хурматлаш ўрнига, пулга, қалинга сотиши нима деган сўз? Ваҳшийлик. Бошқа ҳеч нарса эмас! — деди Элмурод зарда билан. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ХУРМАТЛИ** Хурматга сазовор бўлган, қадрландиган, эъозланадиган; эътиборли, обрўли. Декада қатнашчилари қаторида хурматли, муҳтарам меҳмонлар сифатида Юсуфжон ака ҳам бор эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Мен қози домла ва Асад қори каби хурматли зотлар муҳитига ўзимни топшириб, дарёдан айрилиб чиққан ариқчадай халқимдан айрилиб чиқиб, охири қуриб қолишга маҳкум бўлган эканман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Муржаатда хурмат, эҳтиромни ифодалаш учун ишлагилади. Хурматли ўртоқлар! Хурматли устоз! — Асроркул хатни товуш чиқариб ўқиди: «Хурматли Асроркул ота! . . Эртага кечкурун меҳмонлар билан бирликда хизматингизда бўламыз». А. Қаххор, Асрор бобо.

**ХУРМАТСИЗ** 1 Хурмат-эътибор қозона олмаган, эл ичда обрўйи, эътибори йўқ. Хурматсиз одам.

2 Бирор кимса ёки нарсани хурмат қилмайдиган, қадрига етмайдиган, қадрламайдиган; диққат-эътибор қилмайдиган; лоқайд. Ўзига бино қўйган, ўз манфаатини кўзлаб, кишилар меҳнатига хурматсиз бўлган одам ҳақиқий коммунист бўла олмайди. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон.

**ХУРМАТСИЗЛАНМОҚ** Ўз хурматини, обрў-эътиборини ёки ўз қадрини йўқотмоқ; обрўсизланмоқ. Савдий айтибдирки, «бир мамлакатда хароб бўлсанг, хурматсизлансанг, сафарни ихтиёр қил», — деб. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ХУРМАТСИЗЛИК** 1 Бирор кимса ёки нарсани қадрламаслик, эъозламаслик, хурмат қилмаслик. Бу эҳтиётсизлик Мирвали акага бир хурматсизлик ёки ҳақорат юзасидан эмас. А. Қодирий, Обид кетмон.— Шунингдек, раис мажлисни олиб боришда ҳам кўпчиликка хурматсизлик қилди,— деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хурмат, эътибор ёки обрў қозонмаганлик ёки ўз қадр-қимматини, обрў-эътиборини йўқотиб қўйганлик; обрўсизлик.

**ХУРМАТТАЛАБ** [а] Ўзини иззат ва хурмат этиниш истовчи. Ёзувчилар хурматталаб халқ, аммо кўплари буни энг сўнги даражадаги эҳтиёж ҳисоблайдилар. А. Қаххор, Сароб.

**ХУРМОҚ** Вовулламоқ, ақилламоқ. Ит хурақ — қарвон ўтар. Мақол. — Қоронғи, узоқ-яқинда итлар хурақ эди. А. Қаххор, Анор. У ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, якка-дука итлар

хургани эшитиларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ХУРПАЙШМОҚ** хурпаймоқ фл. бирг. н. Ҳамма қизлар хурпайшиб ўрнидан туриб кетишиди. Н. Фозилов, Оқим. Баъзи одамлар бўлади, кичимдагини топ» деб хурпайишади. Х. Ғулум, Машғал.

**ХУРПАЙМОҚ** 1 Тиккайган ҳолат олмоқ, тиккаймоқ; тўзғимоқ (соч, жун, пат кабилар ҳақида). Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари хурпайган бир йигит ҳам ўтирди. Ойбек, Нур қидириб. Бўғот лабида бир-бирига қараб хурпайиб турган икки мушукнинг бири пишиллаб, кейин чақалоқнинг йиғисидек миёғлаб юборди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Кўчма Авзон бузуқ кўринмоқ, хафа ёки ғамгин бир қиёфага кирмоқ.— Оғир ҳақорат билан тепамга хурпайиб келган Қоплонбеков, кучли қўллар билан юзмаза бир туширди,— деди Пўлат. Ғайратий, Менинг ёшлигим. Аммо Зайнаб.. хурпайиб ҳеч ким билан сўзлашмай қўяр эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Элмурод ўз ўрнига ўтирмоқчи бўлган эди, раиснинг хурпайган башарасига кўзи тушиб, чала қолган гапи эсига тушиди-да, кўпчиликка мурожаат қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўчма Тўзғиб таъбни хира қилмоқ, хунук қиёфага кирмоқ. Кишилоқлар хурпайган, сукунатга чўрман. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Хурпайган булут осилиб тураверди-ю, ёмғир ёғмади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ХУРПАЙТИРМОҚ** хурпаймоқ фл. орт. н. Ана, кўрққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб, қирқилган жунларини хурпайтириб, соқолни селкилатиб, таққа тўхтади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ХУРПАК** Хурпайган, тўзғиган. Қизлар хурпак сочларини силаб, Чолнинг атрофини аста қуршади. Ойбек.

**ХУРРИЯТ** [а] Сиесий ва иқтисодий зулмдан халос бўлганлик; эркинлик, озодлик. Улуғ Октябрь инқилоби мазлумларга хуррият берди. — Бир ойдан бери зиндонда ғалати гаплар эшитила бошлади: — Хуррият бўлармиш! Айний, Дохунда.

**ХУРРИЯТПАРВАР** [а+ф-т] Хурриятни, озодликни севувчи, эрксевар; инсонни ҳар қандай зулмдан халос қилиш, озодликка чиқариш тарафдори; хурриятчи.

**ХУРРИЯТЧИ** Инсонни ҳар қандай зулмдан халос қилиш учун, озодлик учун курашувчи. Норозилик ғалаёнлари тобора кўпаймоқда. Хурриятчилар Қоғонга етишиди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ХУСАЙНИ** [ф-т<а] Узумнинг ҳасайнидан кўра нозикроқ, чўзинчоқ бир тури. Дилдор дала қийпонида бир бош ҳусайни узумни олдига қўйиб, эринибгина гўжумлаб еб ўтирарди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ХУСН** [а] 1 Ғўзаллик, чирой, кўрк.



Одамнинг хуснига боқма, ақлига боқ. Мақол. Хусн тўйда керак — ақл кунда керак. Мақол. — Гулшанбону Худодёр хонлишининг иккинчи даврида ўз хусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотида сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. У Мирзакаримбойнинг табиати ҳақида, чол киши учун қизга уйланишининг фойдаларини, қиз хусни, унинг лаззатлари, завқи ҳақида лабларини ялаб, иштаҳа билан узоқ гапирди. Ойбек, Қутлуг қон. | Гузал манзара, ёқимли кўриниш. Уйнинг хусни. Ҳашаматли бинолар шаҳарга хусн бериб турибди. — Энди унинг хаёлини банд қилган нарса мактабнинг ўнг томонидан чиқиб катта йўлга туташган, кўчанинг охирида қшилоқнинг хуснини бузиб турган эски гўристонни кўчириш муаммоси эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Хуснини очмоқ жуда чиройли қилмоқ, гўзаллаштирмоқ. Бошларига бирам чиройли чамбарак қилиб олишадикки, бу яна хуснларини очиб юборди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бирор нарсанинг фахрланса бўладиган энг яхши қисми ёки вақили, фахри, гули. Фарғона — Ўзбекистоннинг хусни, холи. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ Хусни ахлоқ эск. кт. яхши хулқ, гўзаллик ва бу ҳақдаги таълимот. Имом, мактаб домласи ва бир мударрис ҳам, бу муносабат билан, болаларга хусни ахлоқни таълим [бериш] хусусида бироз даҳанаки жанг қилишиди. Ойбек, Қутлуг қон. Хусни мутлақ эск. кт. яратувчи, худо. Учи кунлик ҳаётнинг неъматларидан қўл қоқиб, хусни мутлақнинг муҳаббати билан яшамоқ қадар улғу. бахт борми? .. Табиатнинг ўзи хусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улғу кўзгусидир. Ойбек, Навоий. Хусни қабул эск. кт. иззат-икром билан яхши кутиб олиш. Биз бориб, онҳазратга жанобингизнинг дуонгизни эшиттирагимиз; хусни қабулингизни, ижобатингизни уқдирамиз. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ХУСНБУЗАР** 1 Кишининг юзига (аксар балоғатга эришган чоқда) тошадиган қизил бўртмача. Умид кун ора эрта билан соқол қиришга тутинарди. Баъзан кўпчи остидаги хуснбузарларини кесиб, қонатиб юборарди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Кўчма Манзарани хунуқлаштирадиган, қиёфани ёмонлаштирадиган хунуқ нарса. Гўзал биноларнинг айримлари деворларига ёпиштирилган хуснбузар эълонларга кўзингиз тушса, таъбингиз хира бўлади. Х. Содиков, Хуснбузар эълонлар.

**ХУСНДОР** [а+ф-т] айн. хуснли. Хусндор йигит. — Уйдан ўрмонжоннинг хотини — тўлагана, ҳила хусндор жувон чиқиб Сидиқжон билан кўришиди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ХУСНИХАТ** [ф-т<а] 1 Қоидага

мувофиқ чиройли қилиб ёзиш; каллиграфия. Ўқувчиларга хуснихат ўргатиши.

2 Чиройли ёзув, чиройли ёзилган хат. [Пўйлат] конверт устидаги адресга, таниш ва қадри хуснихатга тикилганча хайла чумди. Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. Нафис гулли лаганларнинг ўртасида хуснихат билан байтлар битилган. С. Анорбоев, Оксой.

**ХУСНИЯ** [а]: ахлоқи хусния айн. хусни ахлоқ қ. хусн. Ахлоқи хуснияни айниқса ёш авлодларимизга ўргатмоқ бизга фарз, ҳам вожиб. Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУСНЛИ** Хусндор, гўзал, келишган. Бош яланг, яланг оёқ, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб шундай чанг солган эдики, йигитлар уни Мишанинг онаси, кечаги кўркам, хуснли аёл эканини базўр фарқ қилдилар. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ХУСНСИЗ** Хусни, чиройи йўқ; хунук.

**ХУТ** [а] 1 (Х — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Давл ва Ҳамал буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи (22 февраль — 21 март даврига тўғри келади). Хут ойи. Хут чиқиб, ҳамал кирди.

**ХУТ-ЮТ** с. т. Қиш охири, қишки озиқ-овқат запаси тугаган, ерда хайвонлар учун ўт-хашак топилайдиган бир давр. Қишдан қўтдай бор. — Хут-ют, сариқ сумалак, аямажиз ... Қаторлашиб турибди. — кулумсиради Раъно. Ойбек, Улуғ йўл.

**ХУШ** [ф-т] Кишининг бирор таъсир ёки ҳодисани сезиш, идрок этиш, англай олиш қобилияти; онг; ақл, идрок. Ярадорнинг хуши борми? Хушидан кетмоқ (озмоқ). — Қаландарлар ҳалқасига қабул қилинган соатдан бошлаб, хушимни йўқотган эдим. Ф. Гулом, Шум бола. Дўстлар, Ҳожи домла — ёв! Адаштирган, хушимни олган. Х. Пўлат. Искандаров бир сесканиб, яна хушини йўғиб олди. С. Аҳмад, Бош оғриғи. Хуши йўқ 1) хушсиз; 2) ақли-идроки жойида эмас; хаёли паришон. Раис, хуши йўқ, жавоб берди: — Мажлис қилиб ўртага солиш керак. А. Қаҳҳор, Башорат. Хуши кетди 1) ҳайрон бўлди, ханг-манг бўлиб қолди. Сузди ош бир лиқонда уч кишидан, Кетди ошни кўриб ҳамма хушидан. Муқимий; 2) бирор нарсага маҳлиё бўлди; унга етишини орзу қилди. «Бёла-да, мурти сабаза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди: беҳиға хуши кетди, деб йўлади қорабайирдаги кекса киши. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хуши учди эс-хушини йўқотди; кўрқиб кетди. Бирдан босди орқадан Тўполок, милтиқ товуши. Шу чоқ йўловчиларнинг Учди бошидан хуши. Ғайратий. Хушига келмоқ 1) хушсизлик ҳолатидан қайтмоқ, яна сезадиган, идрок этадиган, англайдиган

бўлиб қолмоқ. Бемор хушига келди. — Абдурашу Мели полвоннинг бошини суяб туриб, сув ичирди. Ҳамма унинг бўзарган юзига тикилиб хушига келишини сабрсизлик билан кутмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) эс-хушини тўплаб олмоқ, хушёр тортмоқ. [Гулсум] кўча эшиги олдида тўхтади, бир оз хушига келиб, ўз-ўзига: «Хозир муаллимнинг олдига бораман. Ҳаммасини айтаман»,—деди-да, Элмурод турадиган томонга югура кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Хушидан кетмоқ (ёки озмоқ) англаш, идрок этиш қобилиятини йўқотмоқ; ўзини билмай қолмоқ. Лаълининг оғзи-бурнидан қон келди ва у хушидан кетиб, тиниб қолди. Х. Гулом, Машғал. Хушидан озан бандининг бадини қарахтланган эди, Айний, Қулар.

**ХУШЁР** [ф-т] 1 Бирор таъсир ёки ҳодисани дарров англаш, идрок этиш қобилиятига эга бўлган; зийрак. Гулсумбининг товуши Гулнорни бир қадар хушёр қилди. Ойбек, Қутлуг қон. Хушёр тортмоқ эс-хушини йўғиб олмоқ; эс-хуши жойига келмоқ, эҳтиёт бўлиш зарурлигини ҳис этмоқ. Қомилнинг от ҳақидаги гапидан кейин Бек бутунлай хушёр тортиб кетди. Х. Гулом, Машғал.

2 Зийраклик билан иш тутадиган, сергак. Абдушукурнинг кайфи билан бўлса-да, хуши ҳали ўзида, мужкин қадар ўзини хушёр тутушига тиришади. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Юксак диққат-эътибор билан иш тутадиган; эҳтиёткор. Хушёр одам. || Чегарачилар ўз постида хушёр туради. — Йўлга хушёр бўл, Юрьев, мудофанангнинг тақдирини ана шу йўл ҳал қилади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Дилшод тўхтамади, хушёр бораверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Хушёрликни ифодалайдиган. Хушёр кўзлар. **ХУШЁРЛАНМОҚ** 1 Хушига қайтмоқ; сезадиган, идрок этадиган бўлмоқ, хушига, ўзига келмоқ. Бемор тез хушёрланди.

2 Атрофдаги ҳодисаларга юксак диққат-эътибор билан, эҳтиётлик билан қарайдиган бўлиб қолмоқ; эҳтиёткор, тажрибали бўлиб қолмоқ. Хушёрланган сотувчи.

**ХУШЁРЛАНТИРМОҚ** хушёрланмоқ фл. орт. н. Унинг совуқ нафаси, эшик очиларкан, ўрмонларнинг шовқини билан оқиб кириб, йиштинги бир зум хушёрлантирарди. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ХУШЁРЛИК** хушёр с. белги оти. Бу ерда ўртоқ Эрашевнинг хушёрлигига тан бериш керак. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Партия ўзининг чиниққан ходимларига катта-катта вазифалар юклаб, улардан ҳар ишда хушёрлик, қаттиқ қўллик талаб қиларди. С. Аҳмад, Хукм.

**ХУШЁРХОНА** [ф-т] Маст кишиларни хушига келтириш учун милиция назорати остида ташкил қилинган санитария-медицина муассасаси,

**ХУШЛИ** Хуши бор, сезиш, ндрок этиш қобилиятини йўқотмаган. *Хушли, ақлли қиз.*

**ХУШСИЗ** 1 Ҳузур билмайдиган ҳолда, хуши йўқ. *Эртасига Раҳматиллани қўли синган, боши ёрилган ва хушсиз ҳолатда мактаб ёнидаги бир чўқурликдан топиб касалхонага жўнатишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || Бозордан қайтган қўтидор ерда хушсиз ётган қизи устига даҳшат ичида югуриб келди. А. Қодирий, Ҳўган кунлар.

2 Гангиб қолган; эс-хуши жойида эмас, эс-хуши чочилган; паршонхотир. *Анаар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибо қилмай, еўё хушсиз каби, бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашиди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Муҳаммад Жамол маҳубасидан айрилиб, талбалардай эссиз, хушсиз қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ХУШСИЗЛАНМОҚ** 1 Ҳушдан кетмоқ, Ҳузур билмай қолмоқ. *Бир вақт хушимга келдим: оғзим бўйғиқ, қалин нарсага ўралганман. Извоида кетаётганимни пайқадим. Яна хушсизландим.* Ойбек, Қўтлуг қон.

2 Гангиб қолмоқ, эсанкирамоқ; эс-хуши сочилимоқ, паршон хотир бўлмоқ. *[Отабек] беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган хушсизланган кўйи қотиб турач, мошинавори бирдан юриб кетди.* А. Қодирий, Ҳўган кунлар.

**ХУШСИЗЛАНТИРМОҚ** хушсизланмоқ *фл. орт. н. Фарҳодни хушсизлантириб, Хисравнинг олдига келтирган эдилар.* «Адабиёт назарияси».

**ХУШСИЗЛАРЧА** *рви* Хушсиз ҳолда, хушсиз кишилар каби. *Эрта биландан бошланган бу ҳолат Ҳасаналининг кейинги сўзи билан تامом бир даҳшат касб этди ва [Отабек] хушсизларча ўтириб қолди.* А. Қодирий, Ҳўган кунлар.

**ХУШТ** *унд. с.* Майда жониворларни ва қўшларни ҳайдашда ишлатилади; қиш, ҳўйғ, ҳайт. *Кампир хушт деб чумчуқларни ҳайдади.* — Мен хўжайинларнинг бўйинтуруғига калламни тикай, ишлай, улар обдан мойимни ишласин, кейин мани «хушт!» деб ҳайдасин. Ойбек, Қўтлуг қон.

**ХУШТАҚ** 1 Ҳавони сиқиб, пуфлаб чиқариш йўли билан товуш ҳосил қилинадиган асбоб, мослама. *Сопол хуштак.* *Милиционер хуштак.* — *Йўлчи уни [болани] овутиши учун, молдан бир новда кесиб олиб кичкина хуштак ясади.* Ойбек, Қўтлуг қон.

2 Ана шундай мослама-восита ёрдамида ёки лаб ва тишлар орасидан ҳаво жараёни чиқариб ҳосил қилинган товуш. *Отабек битта-битта тешишган бино ёнига келиб, эшик томонга хуштак берди, жавоб хуштакни эшитилган, тешик ичига кириб ўтирди.* А. Қодирий, Ҳўган кунлар. | *Кўчма* Бирор таъсир туфайли нарсаларнинг бир-бирларига тегишидан келиб чиқадиган товуш ҳақида, *Кран хунук ги-*

*чирлаб, найзаси осмонда хуштак чалиб, бир томонга қийшайгандай бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Кучли шомол дарахт шохларини бир-бирига қасир-қусур уриб, хуштак чалди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

**ХУШТАҚБОЗ** Хуштак чалишни яхши кўрадиган, доим хуштак чалиб юрадиган.

**ХУҚНА** [а] *эск. мед.* Одамнинг тўғри ичагига сув юбориш, клизма қилиш; клизма. *Хуқна қилмоқ.*

**ХУҚНА** [а] 1 *юр.* Давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, нормалар мажмуи. *Гражданлик хуқуқи.* — *Тинчлик, овозлик, аёллар хуқуқи, маърифат ҳақида сўзлайди, тушунтиради, тинчлик учун имзо тўплайди.* Ойбек, Нур қидириб. *Крепостной хуқуқ тар.* қ. крепостной.

2 Кимсага бирор иш-ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустақамланган, гарантияланган имконият, эрқ, ихтиёр. *Сайлов хуқуқи.* *Пенсия олиш хуқуқи.* *Дам олиш хуқуқи.* *Меҳнат қилиш хуқуқи.* *Совет кишилари бепул доволаниш хуқуқига эгадир.* — *Гражданларнинг ўз меҳнатлари билан тоғлан даромадларига шахсий эгалик хуқуқини қонун қўриқлайди.* «ЎзССР Конституцияси». Бу кишини ишлаш хуқуқидан маҳрум қилишга ҳақдим сўймайди. А. Қаҳҳор, Йиллар.

3 *айн.* хуқуқшунослик.

**ХУҚУҚИЙ** [а] *юр.* Хуқуққа оид, хуқуқ юзасидан бўладиган. *Хуқуқий муносабатлар.* *Хуқуқий тартиб.*

**ХУҚУҚЛИ** Бирор иш-ҳаракат қилиш хуқуқига эга бўлган; ҳақли. *Тўла хуқуқли.* — *Сайлаш ва сайланишда хотин-қизлар эркаклар билан тенг хуқуқлидирлар.* «ЎзССР Конституцияси».

**ХУҚУҚСИЗ** Бирор иш-ҳаракат қилиш хуқуқига эга эмас, ҳақсиз.

**ХУҚУҚСИЗЛИК** хуқуқсиз *с. мавҳ. орт.* Социализм хотин-қизларимизнинг ижтимоий аҳолини тубдан ўзгартирди. Асрлар бўйи давом этиб келган чўрилиқдан, хуқуқсизликдан ва тажқирликдан бизда асар ҳам қолмади. М. Хожинаова, Нурли тақдир. *Жабр, зулмега қарши, хуқуқсизликка қарши курашмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб.

**ХУҚУҚШУНОС** [а+ф-т] Хуқуқшунослик мутахассиси; юрист.

**ХУҚУҚШУНОСЛИК** Ҳақ-хуқуқ ҳақидаги фанлар мажмуи. *Хуқуқшунослик илми кўп вақтлардан бери жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади.* Ш. Ҳўразаев, Шахсий ишми?

**ХУҚҚА** [а] Майда нарсалар солиб қўйиладиган, тўғарақ ёки турт бурчак шаклидаги кичкинагина қўтчица.

**ХУҚҚАБОЗ** [а+ф-т] 1 Қўтчицалар ичидан чаққонлик билан ҳар хил нар-

салар чиқариб ўйинлар, фокуслар кўрсатувчи киши; кўзбоғловчи. *Хитой кийлимида, кўзини хитойчасига бўяган, сочини орқасига ўраган иккита хуққабоз таликчаларни чўнларда ўйнатиб чиқади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўчма* Хийлагар, фирибгар, найрангбоз. — *Мустамлакачиликнигина эмас, агрессив блокларни ҳам Маркс ёрдамида ҳимоя қилиш бу кўзбоғловчи хуққабозларнинггина қўлидан келиши мумкин, — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ХУҚҚИ** Муз қатламида тешиб очилган раҳна, муз тешиги, музнинг ўйиқ жойи. *Қўққисдан муз устидаги тешикка—хуққига бир бола тушиб кетади.* Ойбек, Болалик.

**ХУҚ** 1 *унд. с.* Пўписа учун ишлатилади. — *Хуқ, сени!.. Мунчоқни сунистеъмол қилсин деб, сенга ким айтди? — деди Меҳмоноов қизчасига.* С. Абдулла, Обруйим тўқилди.

**ХУҚ** 2 *тақл. с.* Ҳўпкадаги ҳавони, нафасни зарб билан чиқаришни ифодалайди. *Қосимжон ёнини кавлаётганида милиционернинг қошлари чимирлиб кетди. — Шошманг, шошманг, битта хуқ деб юборингчи.* С. Аҳмад, Катайса.

**ХУҚЛАМОҚ** Ҳўпкдан ҳавони зарб билан чиқармоқ, «хуқ» демоқ. *Бунни кўриб, «Тўйма» уйга кирадиган бўлди деб севинди; у ҳам қўлини оғзига тутиб, хуқлаганича эшик томонга келаверди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

**ХУҚЛАТМОҚ** хуқламоқ *фл. орт. н.* Милиционер уни обормаган жойи қолмади. *Маст шофёрларни текширадиган жойга обориб стаканга хуқлатиб ҳам кўрди.* С. Аҳмад, Катайса.

**ХУ-ХУ** *тақл. с.* Мусича, қумри. каби қўшларнинг сайрашини ифодалайди; гув-гув, гур-гур. *Ху-ху тортмоқ* хуқулаб сайрамоқ. *Мусичалар ху-ху тортиб, булбуллар қўниб, зоглар учиб, кўрганларнинг баҳрини очибди.* «Равшан».

**ХУҚУЛАМОҚ** «Ху-ху» деб сайрамоқ (қумри, мусичалар ҳақида). *Қумрилар мунгли-мунгли хуқулар.* Ойбек, Навоий. *Мусичалар хуқулайди, дарахтларда, деворлар устида бир-бирини қувлашади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ХУҚУЛАШМОҚ** хуқуламоқ *фл. бирг. н.* Абрам шафтолига суянди, тўсатдан шафтолидаги мўдраб ўтирган мусичалар хуқулашиб учиб кетдилар. С. Аҳмад, Оқпадар.

**ХУ** *кўрс. олми* 1 Ҳўзоқдаги нарсани кўрсатиш, унга ишора этиш учун ишлатилади. — *Бригадир қаредда? — Хў; анави пайкалда.* — *Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? — Хў, анави, ўртадаги қора камзуллик!* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Бундан илгари бўлиб ўтган иш-ҳаракатни ёки ҳодисани эслатиш учун ишлатилади. *[Мамасолиҳ] хў, бурноғи йилли серёғ, серёғиш паловхонни Бабуддан осонгина ундирган эди.* Н. Мақ-

судий, Мулла Мамасолиҳ билан Худ-худ сўфи ҳақида.

3 Мурожаатда диққатни жалб этиш учун ишлатилади.— *Хў, ишқмас, манглайи қора,— деди Мадрайим навкар ўшқириб унга. Ж. Шарипов, Хоразм.*

4 Қимсанинг иш-ҳаракати, гапини маъқуллаганда рағбатлантириш учун ишлатилади. *Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи! Хў, баракалла, мулла Суяр! Отасини суярми, онасини суярми, а? Ё иккаларини ҳам суярми? А. Қаххор, Ўжар.*

**ХҲҮВ** ай. хў 1.

**ХҲҲЙ** ай. ҳой. Фахриддин кирганда, *Меҳри энди уйқудан турган экан.— Э, ҳўй. . Яхшимсан . . ҳўй! — деди Фахриддин. А. Қаххор, Бошсиз одам.*

**ХҲҲИЗ** I Икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қора мол. *Хўкизнинг шохига урсанг, тўғи зирқирайди. Мақол. Ёмон хўкиз шамён синдирар. Мақол. — Оғилда тўрт хўкиз, икки сизир, икки бузоқ бор эди. А. Қаххор, Қўшчинор. 2 кўчма сўк. Кўпол, бефаросат.*

**ХҲҲЛ** I Сувга ивиган, нам. *Хўл ки-йим. || Қўлим хўл. Ёмғирда костюмим хўл бўлди. Тўқайга ўт тушса, хўлу қуруқ баравар ёнади. Мақол. — Эрталаб туриб қарашса, боланинг кийими жикққа хўл, бадани мисдай қизиб турган эмиш. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Янги узилган ёки янги ўрилган, суви ёки шираси қочмаган, қуримаган. *Хўл мева. Хўл нозда. — [Йўлчи] . . Ермат топиб берган бир эски кўрпачани қуруқ ерга ёйиб, бошини бир боғ хўл бедага қўйиб, уйқуга кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. У болалари олдида айбдордек хўл ўтин вишилларб сасиётган ўчоққа қаради. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ХҲҲЛАМОҚ** Хўл қилмоқ, нам қилмоқ. *Рўмолчани хўлламоқ. — Қизини бағрига босиб, пешанасидан ўпганда, кўз ёшлари Жумагулнинг юз-кўзини*

*хўллади. Ж. Шарипов, Хоразм. Ўғли бўлса чойга нон хўллаб емоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Томоқни хўлламоқ озгина ичмоқ, ичиб олмоқ.*

**ХҲҲЛАНМОҚ** хўлламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н. Нафасидан чиққан буғ билан хўлланган мўйловини дағал бармоқлари билан силаб-артиб, чой ича бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ХҲҲГИЛЛАМОҚ** ай. хўнграмоқ. *У дик ўрндан туриб, хўнгиллаб йиғлаганча ташқарига чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик.*

**ХҲҲГИР-ХҲҲГИР** тақл. с. Эзилиб, куюниб йиғлашни ифодалайди. *Устига тоғ ағдарилган Махдум бошини яна қўйироққа солиб, хўнгири-хўнгири йиғлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. || Қўй юлдузим, қизим, ўксима, Қўз намлама, қўй хўнгири-хўнгиригини. С. Жўра.*

**ХҲҲГРАМОҚ** Қаттиқ овоз чиқариб йиғламоқ, эзилиб йиғламоқ. *[Қанизак] бирдан лаби пирраиб, хўнграб юборди-да, дуррасининг учи билан юзини бекитиб тескари ўғирди. А. Қаххор, Қўшчинор. Бу гапни эшитгандан кейин, кекса бой, бошини қўйи солиб, бирдан хўнграб йиғлаб юборади. Ойбек, Қутлуғ қон. Сорахон ўзини девонга кўтариб уриб, бор товуши билан хўнграб йиғлади. А. Қаххор, Сароб.*

**ХҲҲГРАШМОҚ** хўнграмоқ *фл. бирг. н.*

**ХҲҲНГ-ХҲҲНГ** ай. хўнгири-хўнгири. *Қомил калтак аламидан хўнг-хўнг йиғлаётган боладан яна сўради. Х. Ғулом, Машғал. || Ғор ичида Лаълининг юракни эзадиган хўнг-хўнг йиғиси эшитиларди. Х. Ғулом, Машғал.*

**ХҲҲП** унд. с. Сакраш, ҳатлаш *пайтида айтиладиган нидо.*

**ХҲҲПЛАМ** Бир хўллаб оғизга олинган суюқлик миқдори; қултум. *Бир хўллам сув. — [Ибн Сино] уйқуси келиб кўзига қум тиқилганда аллақандай бир ўтни қайнатиб тайёрланган доридан бир хўллам ичар, кўзи*

*яна очилиб, зехни равшанлашарди. М. Осим, Аждодларимиз, қиссаси. Икки чимдим ош еди-ю, бир хўллам чой ичди. Ў. Умарбеков, Юлдузлар. | Озгина (суюқлик миқдори ҳақида). Унинг [Тошматнинг] кўп ичиши, ароққа сув қўшиб сотиши, пиводан бир хўллам-ярим хўллам чилтиб қолиши рост, албатта! А. Муқимов, Ғалати одамлар.*

**ХҲҲПЛАМОҚ** I Лаб-лунж ҳаракати билан суюқликдан бир қисмини оғизга олмоқ; бўлиб-бўлиб ичмоқ. *Сидик-жоннинг ёнида ўтирган киши хўллаган чойни пурқаб юборди. А. Қаххор, Қўшчинор. Олдида турган чойни икки хўллашда тугатди-ю, пиёлани столга қўйди. С. Анорбоев, Оқсой. Ўчоққа яқинроқ ерда, кизиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ, бужур одам кўк пиёлада чой хўллаб ўтирибди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 *кўчма* Ўзлаштирмоқ; емоқ. *Бу печь кўп ўтин хўллайди. — Аммо ўзи мухбирларнинг ҳақини хўллашдан тийилиброқ турди. А. Қаххор, Сароб.*

**ХҲҲПЛАШМОҚ** хўлламоқ *фл. бирг. н.*

**ХҲҲПАК** I Икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан уриш. **Хўппак олмоқ** 1) икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан урмоқ; 2) *кўчма* ўч олмоқ; зарда қилмоқ, аччиқланмоқ; қасдлашмоқ. *Ичкарида Ўзбек олим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Қумуш билан онасидан хўппак олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ХҲҲПАК** II с. т. Пахтаси етилиб, яхши очилган кўсак. *Хўппак пахта.*

**ХҲҲШАЙМОҚ** ай. ўшшаймоқ *Хўшшаймай ўл!.. қачонгача мен сенинг врингани пойлайман? А. Қаххор, Сароб.*

**ХҲҲҲҲҲҲ** унд. с. Таажжуб, ҳайрат маъноларини ифодалайди. *Элмурод ҳаёлида ҳисоблаб кўриб.: — Тахминан икки минг йиллардан кўпроқ бўлсамми...— деди.— Хў-хў-ў. . .— деди Мели полвон, П. Турсун, Ўқитувчи.*

Саид Фазыл  
АКАБИРОВ  
Тешабай  
АЛИКУЛОВ  
Сафо  
ЗУФАРОВ и др.

**ТОЛКОВЫЙ  
СЛОВАРЬ  
УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА**

Редакция языков народов СССР  
Заведующая редакцией  
Н. М. СЕМЁНОВА  
Ст. редакторы:  
Л. А. БОГДАНОВА,  
Д. П. ЛУКАШЕВИЧ  
Редакторы:  
Н. Т. ДЕНИСОВА,  
Г. А. МАТВЕЕНКО  
Мл. редактор Л. М. КАВЕР  
Художественный редактор  
В. М. АДАМОВА  
Технический редактор  
Э. С. СОБОЛЕВСКАЯ  
Корректоры:  
Т. О. ТАРАСОВА,  
О. Н. ШУШУНОВА  
ИБ № 881

198052  
ОТДЕЛ  
А-2218

Сдано в набор 21.03.79. Подписано в печать 14.01.81. Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Бумага типогр. № 2. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 75,6. Уч.-изд. л. 132,23. Тираж 43 000 экз. Заказ № 973. Цена 8 р. 20 к. Издательство «Русский язык», 103009, Москва, К-9, Пушкинская ул., 23. Набрано и сматрицировано в ордена Октябрьской Революции и ордена Трудового Красного Знамени Первой Образцовой типографии имени А. А. Жданова Союзполиграфпрома при Государственном комитете СССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Москва, М-54, Валовая, 28. Отпечатано в Ленинградской типографии № 2 головном предприятии ордена Трудового Красного Знамени Ленинградского объединения «Техническая книга» им. Евгении Соколовой Союзполиграфпрома при Государственном комитете СССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. 198052, г. Ленинград, Л-52, Измайловский проспект, 29.